

СЎЗБОШИ ЎРНИДА¹

1986 йилнинг сентябрь ойи. Тошкент шаҳрида таржимон-офицер сифатидаги ҳарбий хизматимни тугатиб, уйга, аниқроғи туғилиб-ўсган юртим Панжакентга қайтиш арафасида турган кезларим. Ўша пайтларда «Пахтакор» метроси бекатига кўпинча Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи ва Ёш тамошабинлар театри олдида ўтиб бориларди. Бир куни ўша йўл орқали ўтаётим, кўзим мазкур туташ биноларнинг муюлиш қисми деворида осифлиқ шиша тахтачага тушди. Ундага ёзувда «Ўзбекистон ФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёмалар институти» деган сўзлар битилганди. «Қўлёмалар» сўзи мени ўзига қаттиқ қизиқтириб, бу институтнинг қандай муассаса эканини аниқроқ билиш мақсадида беихтиёр бино ичкараси томон қадам ташладим ва одоб-икром билан қаршилаган қаровуллардан рухсат олиб, тўғри институт директори хонаси сари йўналдим. Бахтимга қабулхонада навбат кутиб ўтирган бирор киши бўлмади, директор хонасининг зил-замбил ёғоч эшигини очдим. Ҳарбийлар либосида эканимдан сал ийманиб кирарканман, хона тўрида ўтирган директор ўрнидан эпчиллик билан туриб, менга пешвоз чиқди ва хижолатдан чиқариб, эски танишлар каби ҳол-аҳвол сўраша кетди. Табиийки, суҳбатимиз рус тилида бўлди. Директор ўзини «Азиз Пўлатович Қаюмов» дея таништирди. Мен ҳам ўзимнинг кимлигимни айтиб, Душанбе шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилганим, яқинда ҳарбий хизматим ҳам тугаганини билдирдим. Тарих соҳасига қизиқишим, шарқ қўлёмалари билан танишлигим ва уларни яхшигина ўқий олишим, тарихий, адабий қўлёмалар манбалар билан ишлашга иштиёқим борлигини аниқладим. Шу сабабли ушбу Қўлёмалар институти ҳақида маълумот беришларини илтимос қилдим. А.П. Қаюмов ҳеч эринмасдан тўлақонли равишда ўзи бошқараётган Институт фаолияти ва бу даргоҳнинг илмий ходимлари вазифалари ҳақида сўзлаб берди. Шунда мен ҳам бу илмий-тадқиқот масканида ишлашим мумкин ё йўқлиги борасида сўрашга журъат қилдим. Азиз Пўлатович шу заҳоти орқасига ўгирилди ва энгашиган кўйи иш столи устида турган бир дафтарчани олди-ю унинг дуч келган саҳифасини очиб, сулс хатида битилган бир байтни кўрсатаркан «ўқиб беринг-чи» деди синчковлик билан. Мен ўқиб бердим. Домла менга диққат билан боқиб, ҳеч кутилмаганда, аниқроғи мен кутмаган ҳолда «келгуси йил январидан ишга келавинг» деди ва хайрлашувдан сўнг, эшиккача кузатиб қўйди. Очиғи, ўшанда ҳарбий хизматдан сўнг менга жонажон юрт бўлиб қолажак шаҳри азим Тошкентда яна кўп йиллар истиқомат қилишим ҳамда илмий, таълим-тарбия фаолиятини олиб бориш бахти насиб этишини унчалик хаёлимга келтирмаган ҳам эдим.

Хуллас, келгуси йил январь ойи бошларида Тошкентга қайтиб келдим ва институтга лаборант сифатида ишга қабул қилиндим. Ишга киришганимнинг иккинчи куниси Азиз Пўлатович Қаюмов мени хузурига чақариб, кўлимга бир қоғоз тутқазди, унда «Авазмуҳаммад Аттор Ҳўқандий ва унинг «Тарихи жаҳонамой» асари» деган рус тилидаги ёзув бор эди.

- 1961 йилдан буён кўнглимда шу муаллиф ҳаёти ва унинг мазкур асарини илмга қизиққанлардан бирига иш мавзуси қилиб бериш нияти бор эди. Мана, вақти-соати етиб, бу ниятнинг ҳам амалга ошиш имкони туғилди, яъни бу шарафли иш Сизга насиб қилган экан, шу илмий изланишни энди Сиз амалга оширасиз, - деди А.П.Қаюмов ва «бу номзодлик ишингиз бўлиб, беш йил ичида уни ёқласангиз, яна узлуксиз ишлаб, кейинги беш йил мобайнида докторлик диссертациясини ҳам ҳимоя қиласиз» дея кўшиб қўйди қандайдир қатъий ишонч билан домла.

1990 йили июнь ойида, аспирантуранинг иккинчи йили «Авазмуҳаммад Аттор ва унинг «Тарихи жаҳонамой» асари (тадқиқот, таржима ва изоҳлар)» мавзуида номзодлик, 1998 йили март ойида эса «Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилдим.

Жойиз кўрилса, шу ўринда минг-минг таассуф билан эсламоқчиманки, ўз хусусиятига кўра дунёда ягона саналган ва ёзма меросимизнинг катта хазинасига айланган, кўплаб қўлёмалар асарлар тадқиқоти ва нашрларини амалга ошириб турган мазкур Қўлёмалар институти фаолияти негадир тўхтатиб қўйилди. Ахир бу илмий даргоҳда Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқининг маданий ва ёзма мероси авайлаб-асраб сақланаётган, тадқиқ қилинаётган эди-ку! Ўтмиш ва замондош

¹Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функцияси, вакиллари, асарлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 352 б.

Ўзбек шоир ва ёзувчилари мероси ҳам шу ерда абадий қўним ва эътибор топган эди. Хуллас, 3000 йиллик ёзма меросга эга бўлган халқимизнинг ёзма мероси тимсолига айланган марказ қайси бир ташкилотларнинг кимлардир билан аллақандай келишмовчилиги оқибатида барҳам топди қўйди. Ҳали мамлакатимиз маданий, жумладан илмий ўтмишида рўй берган бу ачинарли воқеа хусусида олимларимиз ва маънавият соҳасига мутасадди арбобларимизнинг мунозара ва фикрлар алмашинуви амалга ошиб, мутахассисларнинг ўз сўзларини айтажаклари ва масаланинг қайтадан ўрганилиб чиқишига ишончим йўқ эмас.

Кечган йигирма йиллик илмий фаолиятим мобайнида Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданиятига оид юздан ортиқ илмий мақола эълон қилдирдим, ҳамкорлар ва шогирдлар билан биргаликда 20 дан зиёд илмий асар ҳамда ёзма мерос намуналарини китоб шаклида нашрдан чиқардим. Мазкур меросий намуналарнинг аксарияти араб, форс тилидан ўзбек, рус тилларига таржима қилинган нодир манбалар бўлиб, бу асарлар Марказий Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи тарихининг муҳим босқич ва даврларини ўз ичига олади.

Қўлингиздаги асар мажмуа шу йигирма йиллик илмий фаолиятнинг бир маҳсули саналиб, Қўқон хонлигида тарихнавислик мактабининг шаклланиши, ривож, вазифалари, ана шу анъана вакилларининг асарлари таҳлилига бағишланган ҳамда у мазкур хонликнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаёти тарихига доир қисқа маълумотларни ҳам қамраган ишдир. Мазкур асар хрестоматия мазмунида бўлиб, унда Қўқон хонлиги тарихига оид таржима ёки таъдир этган манбалар, иштирокимда чоп этилган баъзи бошқа ёзма мерос киритилди. Манбалар изоҳлар билан таъминланган. Мажмуа-хрестоматиянинг иккинчи жилдида исмлар, жой номлари, истилоҳлар ва таржима этилмаган сўзлар, этник номлар кўрсаткичи берилмажак.

Мазкур ишни шу шаклда чоп этишга таклиф этган қўқоншунос олим Темур Бейсембиевга (Алма-аты), унинг таҳрири, нашри жараёнида берган маслаҳат ва таклифлари учун академик Азиз Қаюмовга, иш давомида мени маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган яна кўпгина шогирдларимга ўз миннатдорчилдигимни изҳор этаман. Олим сифатида самарали фаолият кўрсатганим учун шароит яратиб бериб, дуолари билан илмга ҳар доим ҳидоят қилиб тураётган онам – Хосиятбиби (Марҳамат) Сафаровага эса алоҳида таъзимим бўлсин, оилам аъзолари олдида эса чидам ва бардошлари, садоқатлари учун бош эгаман.



I. ҚЎҚОН² ТАРИХНАВИСЛИК МАКТАБИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ ШАРОИТИ (СИЁСИЙ ЖАРЁНЛАР)

Қўқон хонлигига асос солган минг қабиласининг бошлиғи Шохрухбий ибн Ашур Муҳаммаддир³. У 1669-1670 йиллари таваллуд топган. Минг уруғи XVIII асрнинг бошларида сиёсий ҳукуматни хўжагон сулоласининг қўлидан тортиб олган эди.

Хўжалар ёки хўжагон сулоласи Шарқий Туркистоннинг руҳоний насабли ҳокимлари бўлишган. Сулоланинг асосчиси Махдуми Аъзам – Хўжа Аҳмад ибн Саййид Жалолиддин бўлиб, у IX асрда Хуросон ва Ўрта Осиёда пайдо бўлган «хўжагон» тариқатига мансуб эди. Махдуми Аъзам ҳижрий 956/1463 йили таваллуд топиб, милодий 1542 йили вафот этган. Бу хўжалар Шарқий ва Ғарбий Туркистонда ҳукм сурган чиғатой ҳокимлари даврида катта мансаб ва вазифаларда туриб, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий таъсир кучига эга бўлишган. Сулоланинг кўзга кўринган нуфузли вакили бўлмиш Оффоқхўжа Қошғарий⁴ авлодидан (XVII а.) Шарқий Туркистон ҳамда Фарғонада фаолият кўрсатган хўжалар етишиб чиққан. Оффоқхўжанинг Хонхўжа (Хўжа Яҳё ибн Хўжа Ҳидоятуллоҳ ибн Хўжа Муҳаммадюсуф ибн Хўжа Муҳаммадамин ибн Махдуми Аъзам Даҳбедий) ва Кунхўжа (Хўжа Бурҳониддин) сингари ўғиллари сулола давомчилари сифатида Шарқий Туркистондан ташқари Ўрта Осиёда ҳам катта обрўга эга бўлишган⁵.

Бу хўжалар – Оқ хўжалар ва Қора хўжаларга бўлинган. Оқ хўжалардан бўлмиш Оффоқхўжа Цин ҳукумати тан олган. Махдуми Аъзамнинг Қора хўжалар фирқасига мансуб ўғли Муҳаммадамин Цин ҳукумати тан олмаган. Хитой давлати қўшинлари Шарқий Туркистонга бостириб кирганида унинг авлодлари ўз қўллари остидаги озчилик ҳудуд билан бирга Ғарбий Туркистон, яъни Қўқон хонлигига қўшилганлар.

Махдуми Аъзам – Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний авлодларидан ташкил топган хўжагон жамоасининг Шарқий Туркистондаги сиёсий-маъмурий ҳукмронлиги эса XVII асрдан бошланади. Аштархоний сулоласи ҳукмронлиги даарида марказий хон ҳокимияти заифлашгач Фарғона водийсида эски ўтроқ зодагонларидан бўлмиш Хўжаларнинг таъсири катта бўлган. XVIII асрнинг бошларига келиб сиёсий гегемонлик учун турли қабилалар ўртасидаги кураш майдонга кўчманчи қабилалардан бўлмиш минг уруғини келтирди. Бу уруғнинг бошлиқлари ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш ва кейинчалик қонунийлаштириш учун ўтроқ аҳоли билан ҳам иттифоқ тузиш пайи тушди. Шу уруғнинг бошлиқларидан бири Шохрухбий мазкур хўжалар билан иттифоқ тузиб, ўз ҳукумати куч-қудратини мустаҳкамлаш мақсадида Чодакдаги ана шу хўжалардан бирининг қизига уйланади. Шунинг учун ҳам Қўқон хонлиги шаклланиши ва кучайиши жараёнида мазкур Чодак хўжаларининг ижтимоий-сиёсий фаолияти нуфузи ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади.

² Қўқон шахри этимологиясини йирик олимлардан тортиб ҳаваскор тарихчиларгача ҳар хил талқин қилганлар. Бизнингча унинг ягона тўғри маъносини ёзма манбаларда ёзилган “Хўқанд” (арабчада Хвўқанд – خواقند), аслида Ҳавокент/Ҳавоканд беради. Ҳавокент, яъни “Ҳаво, шамоллар шахри” (кент/канд/кат – шаҳар демакдир) деган маънони билдиради. Қўқонда бўлган ҳар бир киши бу шаҳарда йил давомида қарийб 300 кун фақат шамол эсиб туришини кўрганда шу талқин тўғри эканига ишонч ҳосил қилади.

³ Абд ал-Қодир ибн Муҳаммадамин ўзининг «Мажмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор» асарида минг сулоласининг Қўқон тахтида ҳукмронлик қилган вакиллари шажарасини шу тарзда берган. Охирги ҳукмдор **Худоёрхон** (Насриддинбек, Саййид Умарбек, Муҳаммадаминбек, Ўрмонбек, Ибн Яминбек, Фансуруллоҳ) – **Шералихон** (Салимсоқхон, **Султон Муродхон**, **Малахон** – **Султон Муҳаммад Саййидхон**, Абу Саид-хон) – Ҳожибек – Муҳаммадаминхон (**Олимхон** – Муродхон, Умархон; Норбўтахон – Рустамбек, Олимхон – Шохрухбек; **Умархон** – **Муҳаммадалихон**) – **Абдурахмонбек** – **Абдулкаримбий** – **Шахрухбий** (Шодибек, Сулаймонхон; **Абдурахимхон** – **Эрдоабий** ва Бобобекхон) – Рустам бий – Ҳожи бий – Чамаш бий (Асилзода) Абулқосим – Муҳаммадамин – Худоёр/Илик бий – Олтин Бешик – Муҳаммад Бобур Мирзо. Қаранг: Абдал-Кадир ибн Муҳаммад-Амин. Маджма’ ал-ансаб ва-л-ашджар. / Введение, перевод с арабского-персидского и тюркского, текст, факсимиле автографа, комментарии и указатели Ш. Х. Вохидова, А. М. Муминова, Б. Аминова. – Алматы: Дайк-Пресс. 2005. – С. 192.

⁴ Оффоқхўжа/Оппоқхўжа (1625, Кумул, Шарқий Туркистон – 1695, Қўқун қишлоғи, Қашқар вилояти) – ислом илми ва тасаввуфнинг йирик тарғиботчиларидан бири ва Ёркенд хонлигида тахтда ўтирган хўжаларнинг дастлабкиси. Туркистон тасаввуф илмининг раҳнамоларидан Махдуми Аъзамнинг авлоди. Оппоқхўжанинг исми Ҳидоятуллоҳ бўлиб, у халқ орасида ҳурмат белгиси бўлган «Оффоқ» («Ёруғ дунё» ёки «ёруғлик эгаси»)-хўжа номи билан машҳурдир. У ёшлигида отаси Муҳаммадюсуф ибн Эшон Калон билан турли шаҳарларда юриб билим ва тарбия олган. 1638 й.да Қашқарга келиб, отаси вафотидан сўнг бу ердаги Оқтоғлик хўжаларга бош бўлган. 1670 й.да Ёркенд хонлигида юз берган ички курашлар натижасида Оппоқхўжа Қашқарни тарк этиб Туркистон шаҳарларида, қалмоқлар (ойротлар) орасида ва Хэши йўлагидаги (Хэси-цзоулан) вилоятларда диний тарғибот ишлари билан шуғулланган. 1678 й.да Тибетга бориб, у ерда икки йилга яқин яшаган ва Будда дини вакиллари билан яқин алоқада бўлган. 1680 й. Тибет зодагонлари ёрдамида ойротлар хони билан танишган. 1681 й.да қалмоқлар томонидан Ёркенд хонлиги тахтига ўтказилган. Унинг жасади Ёғду деб номланган жойдаги ота-бувалари қабри ёнига дафн этилган.

⁵ Муфассал қаранг: Шарқий Туркистон хожаларидан Махдуми Аъзам авлодлари шажараси // Турон тарихи. Оммабоп мажмуа. 1994. – №3. – Б. 9-12.

Манбаларда Фарғона водийсида махдумий аъзамий хўжалари турли авлод вакилларининг таъсир кучи ва роли катта бўлгани ҳақидаги муҳим маълумотларга эгамиз. Жумладан, минг сулоласининг вакилларида бири саналган Шоҳмастбий шу ерлик вали Лутфуллоҳ Чустийнинг муриди бўлгани Қўқон тарихнавислигида алоҳида тилга олинади⁶.

Қўқон хонлигида минг сулоласининг ҳукумат тепасига келишида Чодак хўжалари ўйнаган ролини кўрсатиш ҳамда Олтин Бешик ривоятининг ана шу ҳақидаги маълумотларини баён этувчи «Тарихи Туркистон» асаридаги қуйидаги фикрларга ҳам диққатни қаратамиз: «Фарғона вилоятида таворихларда маълум ва машҳур Андижон ва Ўзганд ва Аҳси қадимги ва эски шаҳар бўлуб, чиғатоӣ ва ўзбек хонларига пойтахт эканлиги билинадур. Лекин худи Хўқанд шаҳрининг энг аввалги биноси 300 йилдан зиёд бўлган эмас. Вақтики, Бобурхон⁷ ўзбек хонлари илан Самарқанд музофотида муҳораба айлаб, мағлуб бўлуб, қочиб, алҳол Хўқанд шаҳри бино бўлган мавзедаги катта сой лабига келганда фаросат илан топибдурким, бул жой сероблик ва обшорлик ва хушҳаво сабаблиқдин андак вақтда ободон ва катта шаҳар бўлса керак деб. Алҳол Хўқанд шаҳрига сув келадурган катта сойдин ўтганда кўрубдурким, сойнинг икки тарафида кўп элатиялар ижтимоъ қилиб, кўнуб ўлтурубдурлар. Муни кўруб Бобурхон кимхоб ва заррин либосларга ўралиб, олтун бешикка бойланган бир ёш боласини маҳали гузаргоҳга қўйуб, бир доно ва хушёр одамни ул бешик илан болага дидбон ва қаровул тайин қилиб, айтибдурким, то ушбу бола бирор одамни кўлига тушуб, олиб кетгандин сўнгра бизларни орқамиздин етиб келурсан, деб тезлик илан ўз йўлларига жўнаб кетибдурлар. Ўшал вақтларда бул вилоятлардин ҳеч асар ва ному нишона йўқ бўлуб, дашту саҳро экан. Лекин, сойни икки тарафида уч-тўрт жамоа, чунончи, *чанкант*, *сарой* ва *таргова*, деган уч гуруҳ халқ ўлтуруб, бир гуруҳи сойи Найманчага ва икки гуруҳи сойи Калонга тобеъ экан.

Бул уч гуруҳ халқ иттифоқ илан тўғон қилиб, сув боғламоқ учун даштга чиқиб, мазкур сойни икки тарафи илан юруб, келарда кўрубдурларким, бир оз муқаддам кўп халқ ғарб тарафдин келиб, сойдин ўтуб, машриқ тарафга кетибдур. Ўзбеклар бул аломатни кўруб, эҳтиёт учун аларнинг кейинидин борсалар, йўлда бир олтун бешикда кимхоб, атлас ва заррин либослар илан ўралган бир ёш болани кўрубдурларким, мазкур болани анвойи жавоҳирот илан музайян қилинган экан. Ул уч тоифа халқ боланинг эъзоз-икром илан олиб ўз жойларига қайтибдурлар. Бул болага қаровул бўлуб турган йигит бул аҳволни кўруб, хотиржамъ бўлуб, Бобурхонни кейинидин етиб, аҳволи гузаштани маълум айлабдур. Ўзбеклар олтун бешик илан болани олиб, йиғинларини бузмай, бир жойга жам бўлушуб, ўлтуруб, шул тариқа маслаҳат қилишибдурларким, бизлар уч тоифамиз, тифлни ва олтун бешикни ва жавоҳиротни уч тақсим айлаб чек – қуръа солурмиз. Қуръада қайси нимарса қаю тоифага тушса, ўшал нимарсани бенизоъ олсун деб, ҳаммалари қуръага қарор бериб, қуръа солганда тифл –ёш бола жамоаи *таргова*га, ажносу ашё жамоаи мавзеи *сарой*га ва олтун бешик *чинкант* жамоасига тушиб, ҳар қаюлари ўз тақсимларига рози бўлуб, хурсандлик илан ўз жамоаларига қайтибдурлар.

Андин кейин жамоаи ўзбеки *таргова* мазкур боланинг тарбиятига кўшиш айлаб бир муттақи ва порсо заифага топшурубдур. Ул заифаи оқила боланинг тарбият ва парваришидин заррае тағофул ва бепарволик қилмай, хуб диққат илан тарбият қила бошлабдур, чунки ул баччанинг асл насаби ҳақидаги ҳақиқатни ўзбеклар хуб таҳқиқ айлаб билган эканлар.

Боланинг номини Олтун бешик қўйубдурлар. Охири ҳадди балоғатга етушгондин кейин тааллуқдор қилиб бир хушрўй ва соҳибжамол қиз олиб берубдурлар. Андин бир ўғул фарзанд таваллуд топиб, номини Султон Элик қўйибдур. Ул ҳам балоғатга етгандин сўнгра ўйлантурубдурлар. Андин ҳам бир ўғул фарзанд бўлуб, номини Султон Худоёр қўйуб, ул ҳам болиғ [катта] бўлганда уйлантуруб, андин ҳам бир ўғул фарзанд таваллуд топиб, номини Муҳаммадамин қўйуб, ул ҳам балоғатга етгандин кейин, хотун олиб, андин бир ўғул таваллуд топиб, номини Абу-л-Қосим қўйуб, ул ҳам болиғ бўлуб, уйлангандин кейин андин бир ўғул фарзанд таваллуд топиб, онинг номини Шоҳмастбий қўйубдурлар. Алҳол Чамашбий номи илан Фарғона аҳолилари орасида машҳурдур. Шаҳмаст [Шоҳмаст, Шамаст] бийдан Шаҳрухбий (Шоҳрух) ва андин Ҳожибий ва андин Ашурбий таваллуд топиб, Ашурбийдин иккинчи Шоҳрухбий таваллуд топибдур ва Олтун бешик илан бу Шоҳруххон миёна [ора]сида ўн пушт абову аждод икки юз йил муддатда ўтиб, Шоҳруххон олами вужудга келиб, шу ўзбеклар орасида тарбият топиб, ҳадди балоғатга етганидин кейин онинг

⁶ Қаранг: Мирза Алим ибн Мирза Раҳим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таварих ал-хавакин / Введение Ш. Воҳидова; перевод текста, примечания, указатели и послесловия Салиджан Юлдашева / История Узбекистана в арабографических источниках. Том I. – Тошкент, 2007. – С.81.

⁷ Бобурхон – Захир ад-дин Муҳаммад Бобур (1483-1530) – Фарғона ҳокими (1494-1500), Мовароуннаҳр учун урушлар олиб бориб, 1512 йили Самарқандни тарк этиб, Кобулга қайтгач, 1518-1525 йиллари Хайбар довонидан ўтиб, Ҳиндистоннинг Панжоб вилоятига юришлар қилган. Ҳиндистонда Буюк мўғуллар империяси номи билан шуҳрат топган бобурийлар давлатига асос солган (1526-1858), буюк саркарда ва давлат арбоби, таниқли шоир ва ёзувчи.

жабҳасидин шукуҳ-у давлат ва шижоат зоҳир-у намоён бўлуб, ҳамиша шикор қилмоқга ва асб(от)у-аслаҳа ва тиру камон ила машғул бўлар экан.

Ўшал вақтдаги ўзбекларни нақли бўйинча, иттифоқо бир подшоҳ батариқаи шикор [ов учун] бул вилоятга келибдур. Ул вақтда Шохруххон ўн саккиз ёшда экан. Шикорнинг қизиқ вақтида бир йўлбарсни найза илан ярадор айлаб, сайд қилиб, подшоҳга манзур айлаб марҳамат ва шафқат ва муқаррам ҳурматга мустаҳиқ бўлубдур.

Подшоҳ анинг ғайрату шижоат ва мардоналигини кўруб, лутф ва марҳамат айлаб, ўшал музофотнинг ҳукмронлигини Шохруххонга тафвиз (тортиқ) айлабдур. Шохруххон ҳукмдорлигини ибтидосидин охири умрича⁸ Тарғова ва Чамашда умр ўткариб, ҳукумат юргузуб, вафот қилибдур. Андин Абдурахимбий⁹ ва Абдулкаримбий ва Шодибий деган уч ўғул олами вужудга келиб, улуғ ўғли Абдурахимбий онинг ўрнига хонлик мансабига ўлтуруб, Хўқанднинг қалъа ва арк ва эски кўрғонини бино қилибдур ва баъзи ўзбеклар сўзи бўйинча, Хўқанд шаҳри аввал вақтларда тартиб топмай, Чодак мавзеида хўжа жамоалари туруб, баъзи атроф жавониблардан, чунончи, Тарғова Чамашбий, Чанкат ва Пиллахон ва Тўқайтепа ва Пуртак¹⁰ ва Тепакўрғон ва Қайнар, буларга ўхшаш бошқа бир неча кентлар аларни таҳти ҳукуматларида бўлуб, хўжалар ҳукмронлик қилар эканлар.

Ўшал мавзеда барча ўзбеклар бир тўйда жамият айлаб, оқил ва фаросатликлари шул тариқа маслаҳат қилишибдурларки: «Бизлар бул катта сойни атрофида бир неча қишлоқ ва кўрғонлик халқмиз. Лекин орамизда мустақил ҳукумат қиладурган бирор ҳукмронимиз йўқ.

Бизларга лозимдур бир мансабга лойиқ ва сазовор одамни ўзларимизга ҳоким ва соҳиби ҳукм қилиб, подшоҳ ва пешво қилсак», деб ҳаммалари бул маслаҳатни истиҳсон айлаб, қабул қилишиб айтибларким: «Олтун бешик насли Чамишбий авлодидин Шохруххон Ашурбек ўғли ўз ўрталаримизда мисли подшоҳзодалардек, доимо инъому-эҳсон ва мурувватни бизларни баримизга дариғ тутмай, ҳамма вақт ҳусни-хулқ ва муомалалик илан орамизда машҳур ва маълумдур. Умид қиламизким, салтанат маснадига ўлтургандин кейин ҳам бизларни баримизга инъом-эҳсон ва марҳаматини зиёда қилса керак». Салтанат хусусида кўп маслаҳатлар қилишиб, айтибдурлар: «аввало Шохруххонни хон кўтариб, ондин сўнгра Чодак хўжаларига хуруж қиламиз», деб ҳаммалари иттифоқларини бир жойга муқаррар қилишиб, барча ўзбекни куҳансол ва мўйсафидлари Тарғова мавзеига йиғилиб, Шохруххонни хон кўтарибдурлар¹¹.

Ондин кейин ўзбеклар маслаҳат топиб, ўз ораларидин бир қизни Чодакда ҳоким бўлуб турган хўжага номзод қилиб, домод айлабдурлар. Хўжалар бу ишни қабул қилиб тўй асбоби лавозимотларини тайёрлаб, дарёдин ўтубдур. Бул тарафдин ўзбеклар аларнинг истиқболларига чиқиб эъзоз ва иқромлар илан хўжаларни бир яхши жойга кўндуруб, куёв илан биргалашиб келган қирқ нафар йигитни бир-бирдин ўзбек расмларича тақсим айлаб, меҳмон қилмак учун уйларига олиб кетиб, куёв бўлмишни хизматига бир неча ўзбекларни тайин қилиб кўйуб, лавозимоти меҳмондорликка шуруъ қилубдурлар. Таомдин фориғ бўлгандин сўнгра ўзбеклар бир жойга йиғилишиб маслаҳат қилибдурларким, вақтики куёв (чимилдиғ) чодир га кирган вақтда бир қуруқ ходани дарахт шохига маҳкамлаб тортиб синдурамиз, онинг овозини эшитган вақтда ҳар қаю ўзбеклар ўз уйидаги меҳмонни ўлдурсун. Куёвни чодирда ўлдурамиз деб маслаҳатни шунга қарор бериб, охир ул-амр бул тариқа тадбир илан хўжани қирқ йигити илан ўлдуруб, байроқ [ва] аслаҳаларини олуб, мусаллаҳ бўлуб, Шохруххоннинг бошига туғ ва байроқ кўтариб, ҳамма ўзбеклар жамъ бўлуб, Сирдарёдин ўтуб, тезлик илан келиб, Чодакни олиб, Чодакдаги асбобу олоти сипоҳигарлик, хазина ва бошқа асбоб-ашёларни таҳти тасарруфларига олибдур. Ўшал тарафнинг ҳамма аёни вилоятлари то Наманган сарҳадиғача тортуғ ва пешкашлар ила келиб, Шохруххонга манзур бўлубдур.

Шохруххон аларнинг ҳар қаюларига муносиби аҳвол ва қоидаи русуми подшоҳий шафқат ва марҳамат илан жома ва сарупо инъом айлаб, рухсат бериб, раёо [ўтроқ] ва бароо [кўчманчи] аҳлига адлу эҳсон айлаб, Наманган сарҳадидин то Шаҳидон ва Понсод ғозийгаким, алҳол Понғоз деб оталадур, ҳукуматини жорий қилиб, илгари бўлуб турган бидъат ва ямон расму таъомилларни барҳам бериб, ул вилоятга волий ва ҳоким тайин айлаб, фатҳ ва нусрат ила қайтиб, ўзбек ва сартияларнинг энг аъло ва машҳур мавзеларидин Тарғова ва Чамашбийга келиб тушубдур. Ул вақтда ҳам ўзбеклар жамиятларини пароканда қилмай, ҳукуматдорлик ишлари хусусида маслаҳат ва машваратлар қилишиб, охири шул тариқа қарор берибдурларким, душман ва ҳосидларнинг шарридин эҳтиёт ва

⁸ Шохрух Қўқандда милодий 1709-1721-22 йиллари ҳукмронлик қилган.

⁹ Бий – уруғ ва қабиланинг пешвоси, бошлиғи.

¹⁰ Аслида Пурнок.

¹¹ Шохрух (аслида Шохрух II) 1121/1709 йили хон кўтарилди ва 1134/1721 йили вафот этган.

сақланмоқлиғ ва шавкату ҳашамат ва салтанатни мустаҳкам ва барқарор турмоқлиги учун қалъаи жаид ва амсори жаиди мазбут ва мустаҳкамни барпо қилсак, зероки умури салтанат беқалъа ва беарк [қалъасиз ва саройсиз]муяссар бўлмайдур деб...

Одами кордон [ишбилармон] ва ҳушёр, тажрибакорлардин бир нечаларига амр қилинибдурки, *ўрда* ва *қўрғон* қилмак учун бир яхши ва муносиб жой топинглар деб. Алар кўп жой ва мавзеларни қараб кўруб, охири икки сойни қўшиладурган жойики, алҳол Эски қўрғон ва Кўктўнлик ота деб айтадурлар¹², ўшал мавзени шаҳар бўлмоқга муносиб фаҳмлаб маълум қилганда, аркони давлат ва аъёни вилоятлар ҳаммалари ба иттифоқ сойни шарқ тарафиким, алҳол маҳалаи Боғбонон деб оталур, шаҳр бино қилиб, икки сойни ўртасига Кўктўнлик азизлар мавзеига жар ёқасига *ўрда* ва *арки* мустаҳкам барпо қилиб, ҳамма аркони давлат ва аъёни қурбатлар аркни атроф жавонибига ҳовли ва иморатлар бино айлаб, ўзлари учун хона ва манзил тартиб қилиб, андак фурсатда бул шаҳар ва арк иморатларини тайёрлаб, яхши кун ва соати масъудда ҳамма аъёни вилоят ва аскар ва фуқаро ва хосу ом жамъ бўлуб, Шоҳруххонни подшоҳона либос илан музайян айлаб, эъзоз ва эҳтиром илан подшоҳ кўтариб, тахтга ўткузуб, ала қадр ал-ҳол нақдиналарини подшоҳларини бошларига нисор айлаб ва хайру худойилар қилишиб муборақбодлик қилишибдурлар. Андин кейин машойиху уламо ва фузало ва акобири вилоятлар келишиб, қайтадин табаррукан деб, оқ намадга кўтариб, Шоҳруххонни хон кўтаришибдурлар.

Шоҳруххон аларнинг ҳар қаюларига муносиби аҳвол сарупо инъом айлаб, қайтмоқларига рухсат берибдур. Улуғларга *ўрда* ва арkning ёнидин ҳовли жой бериб, ҳар қаюларига ба қадри истеъдод вазифа тайин қилибдур.

Шоҳруххонни аввал мартаба Хўқандга хонлик маснадига ўлтурганлигини тарихи хижрийда 1121/1709-10-нчи йили экан. Бир шоир бул тарихни «Зи Шоҳрух жў» [Шоҳрухдан кидир] иборатидин топибдур.

Хулосаи калом, Шоҳруххон 12 йил хонлик қилиб 13-нчи йилда вафот қилибдур. Машхур намангонлик Машрабни пири Шайх мулло Бозор Охунд Намангоний ул хонга ҳамаср эканлар.

Шоҳруххондин уч ўғул таваллуд топиб, аввали Абдурахимбек, иккинчи Абдулкаримбек, учинчи Шодибекдур»¹³.

Юқоридаги ривоят биринчи бўлиб Муҳаммадакмал Шер Хўқандий (Акмал Шер) томонидан манбага киритилган. Яъни бу фикрнинг вужудга келиши 1818 йилларга, амир Умархон даврига тўғри келади. Акмал Шерга нисбат берилган «Насабномайи хавонини Хўқанд» номли асардан бир парчани Авазмуҳаммад Аттор ҳам ўзининг «Тарихи жаҳонамой» асарида келтирган. Акмал Шернинг «Амирнома» асари 1804-1806 йилларда ёзилган бўлиб, унда бу ривоят келтирилмаган. Амир Умархон даврига келиб, Қўқон хонлари ҳукуматининг шажаравий легитимацияси долзарб бўлишидан бу ривоят Қўқонда ёзилган биринчи тарихий асарларга ҳам кўчиб ўтади. Қўқон хонлари ва хонлиги тарихига бағишланган биринчи тарихий асарлардан саналган Фазлий Фарғоний (Абдулкарим Намангоний)нинг «Умарнома» асарида эса бу ривоят учрамайди. Лекин шу асарни назмдан насрга ўгирган ва янги таҳририни бажарган Мушриф – Мирзо Қаландар Исфарагийнинг «Шоҳномаи нусратпаём» асарида мазкур ривоят ўз ифодасини топган (1822 йил]. Бу ҳақда китобимизнинг шу икки асар тавсифига бағишланган бўлимидан муфассал маълумот олиш мумкин. Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, аслида Олтун Бешиқ ривояти орқали Қўқон хонлари ўзларининг ҳукуматларини Бобур ва у орқали амир Темурга, ундан сўнг чингизийларга боғлаб олий «хон» унвони ва тожу тахт уларга қонуний текканини исботлашга ўринганлар. Олтун Бешиқ тарбиясида қатнашган ва унинг тақдирига аралашган қабилалалар эса хонлик жамиятида алоҳида юқори поғонани эгаллаш учун шу ривоят орқали маънавий ва шажаравий асос тайёрлашга ҳаракат қилганлар. Хонликдаги туркий қавмлар ҳамда саййид ва хўжалар Олтун Бешиқ ривоятидаги иерархияда юқори поғоналарни эгаллашга интиланлари яққол кўзга ташланиб турибди. Бироқ, бу ривоят хонликнинг ижтимоий ва

¹² Бугун Қўқон шаҳрининг шимол-шарқида, газ захиралари пунктида жойлашган Кўк тўнлик азизлар мазори.

¹³ Қаранг. Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон / Сўзбоши ва изоҳлар Ш. Воҳидовники, араб ёзувидан таъдил Ш. Воҳидов ва Р. Холиқованики, кўрсатгичлар Ш. Воҳидов Д. Сангированики. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – С. Мазкур иқтибосдан қуйидаги хулосалар келиб чақади: а) Минг сулоласи ҳукумат тепасига чиқишдан олдин гегемон қабиллага айланиб, яна бир неча кучли қабилалар ва аҳоли қатламларини бирлаштирганлар; б) ҳукуматни тўлақонли қўлга олишлари учун улар чингизий, ҳеч бўлмаса Бобур, у орқали темурийларга ўз насабларини боғлашлари керак бўлган; в) ҳукуматни диний жиҳатдан ҳам асослаш учун нуфузли хўжа, саййид ёки шарифлардан таъсир кучи қудратни тортиб ҳам олиб, сўнг бор қаршиликларини бартараф этиш лозим бўлган. Аштархонийлар давлати инқирози пайтида Фарғона водийси, айни хўжалар таъсири остида бўлган мавзелар қаторига Қўқон ва унинг атрофидаги ерлар кирганини Мулло Олим махдум ҳожидан олдин Мушриф Исфарагий, Муҳаммадҳақимхон, Авазмуҳаммад Аттор ва Қўқон тарихига оид бошқа асарларда ҳам айтилган. Бундан ташқари Фарғона водийсидаги вақф мулкларининг ҳужжатлари шу даврда Хўжалар (жумладан Чодак хўжалари) нинг катта мулкларга эга эканларини кўрсатади.

сиёсий тизимини тартибга солиш учун асос бўла олмади. Хонликдаги сиёсий ва ижтимоий муносабатларнинг тарихидан шу маълум бўладики, бу муносабатларни ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги алоқалар ташкил қилган. Олтун Бешик ривояти Қўқоннинг энг машҳур тарихчиси Муҳаммадалихоннинг асарида ҳам тилга олинмаган¹⁴.

1709 йили уруғ зодагонлари ҳамда хўжалари розилиги билан Шоҳрухбий хонлик тахтига кўтарилади. Унинг қасри Эски қўрғондан Қўқонга кўчирилади. Шоҳрухбий даврида Ўш, Ўзган, Хўжанд ҳали мустақил бўлиб, Қўқон давлатининг шимолий чегараси Наманганнинг Шоҳидонигача чўзилганди. Шоҳрухбий ўлиmidан сўнг унинг ўрнига уч ўғлидан бири бўлмиш Абдурахимбий хижрий 1132 (милодий 1721) йили шаввол ойида (июль) тахтга ўтиради. Низомиддин Муҳаммад Абдурахимбий хижрий 1110 (милодий 1690) йили оламга келган. Отаси даврида у Наманганда ҳоким бўлиб, унга Муҳаммад Баҳодур номли киши оталиқ бўлган. 1725 йили у Хўжандни Оқ Бўтабий юз кўлидан олиб, бир йилдан сўнг (1139/1726) Ўратепани забт этиб, Қўқон давлатига қўшади.

1729-1730 (баъзи манбаларда хижрий 1145, милодий 1732) йилда Абдурахимбий Самарқандга юриш қилиб, шаҳарни қамалига киришади. Бироқ, шаҳар аёнлари ва оқсоқоллари бир неча кундан сўнг шаҳар дарвозаларини ўзлари очиб беришади. Бу вақтда Туркистоннинг кўп жойларида қабила ва уруғлар ўзаро уруш ва жанглар билан машғул эди. Шу боис Абдурахимбий қабила ва уруғ раҳбарлари билан иттифоқ тузиб, давлат чегараларини кенгайтиради. Шаҳрисабз волийси Иброҳим оталиқ кенасига билан эса қариндош бўлиш ниятида унинг қизига уйланади. Мингларнинг кенасига уруғи билан тузган бу иттифоқи XIX асрнинг 60-йилларигача давом этди¹⁵. Яна мазкур воқеалар зикрига қайтсак, орадан олти ой ўтмай, Бухоро хони Абулфайзхон Самарқандни ўз тасарруфига қайта киритади. Абдурахимхон бундан хабардор бўлгач, Қўқондан Хўжандга келганида ўлдирилади (1146/1733)¹⁶ ва ўрнига Абдулкаримбий ибн Шоҳрухбий (1734-1753) хон бўлади.

Муҳаммад Абдулкаримбий хижрий 1115, милодий 1703 йилда таваллуд топган. У хон бўлишидан олдин валиаҳд сифатида Наманганда ҳоким эди. Абдулкаримбий асосий эътиборини давлатни мудофаа қилиш ишларига қаратади. Унинг хонлик даврида Қўқон шаҳри атрофи қўрғон билан ўралади, Исфара, Қатағон, Марғилон, Ҳайдарбек дарвозалари курилади. 1741-1745 йилларда Фарғона жунғор (қалмоқ)лар ҳужумига дуч келади. Абдулкаримбий кипчоқ-қирғизлар ҳамда Ўратепа ҳокими Фозилбий юз ёрдамида уларга қарши уруш олиб боради. Шу вақтда Абдулкаримбий ҳам Тўрақўрғон ва Самарқандга Абулфайзхон илтимосига биноан юриш қилади. 1745 йили Миёнколда хитой-кипчоқлар Ибодуллоҳбий раҳбарлигида бош кўтаришади. XIX асрнинг бошларида Хитой ҳукумати тазйикидан қочиб, Шарқий Туркистондан Фарғона водийсига қалмоқлар, уйғурлар, қирғизлар, қорақалпоқ ва қозоқ-кипчоқлар кўчиб келишади.¹⁷ Фарғона водийси XVIII асрнинг ўртасида кўплаб халқ ва жамоалар учун ватан бўлади.

Водийда хўжалик ва маданий ҳаёт ривожлана бошлайди. 1749 йили Абдулкаримбий қалмоқ (жунғорлар) билан сулҳ тузади. Сулҳ шартларига кўра, қалмоқлар ватанига қайтганига қадар Қозоқ даштларида яшаб туриш ҳуқуқига эга бўлади. Қўқон хонлиги даврида эса уларга ўтроқ халқ билан савдо-сотик қилишга рухсат берилади. Қалмоқлар Қўқон ҳудудига бостириб кирмаслик мажбуриятини зиммаларига олишади. Яна иттифоқ тўла ишонарли бўлиши учун жунғор-қалмоқлар ўз томонидан бир шахзодани Қўқандга жўнатадилар ва Қўқанддан Бобобек ибн Абдулкаримбий кўчманчилар қароргоҳига «оқ уйлуқ» сифатида юборилади.

1753 йили Абдулкаримбий 49 ёшида вафот этади ва ўрнига унинг ўғли Абдурахмон тахтга кўтарилади. Аммо тўққиз ойдан кейин Марғилонга ҳоким этилиб, хонликка Абдурахимбийнинг иккинчи ўғли Эрдонабий (Абд ал-Қаюмхон) ўтқазилади (1165/1751). Лекин бир йил ўтмай Бобобек тахтга даъво қилиб келади ва ўн ойча Қўқонда хон бўлади. Қабила зодагонлари қарори билан

¹⁴ “Минглар сулоласи вакиллари етти киши эди ва уларнинг салтанати Фарғона мамлакатаида юз йил бўлди. Бу сулоланинг биринчи вакили Раҳимхон ибн Шаҳрух оталиқ ибн Муҳаммадхоликбий ибн Чамашбий бўлиб, у (Шайдо лақаби билан танилган ва ушбу айёмдаги эшон Хожажонхожанинг аждоди ҳисобланмиш) йўлбошчилар паноҳи мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг муриди эди. Алар ҳазратлари эса валийлар султони ва сўфийлар паноҳгоҳи Махдуми Аъзамнинг – *сирларини Аллоҳ азиз тутсин* – муриди эканлар. Ва Шаҳрух оталиқ уч нафар азиз фарзанднинг отаси эди: Раҳимхон, Абдулкаримбий ва Шодибий. Уларнинг истиқомат манзили Дехқон тўда мавзесида бўлиб, Хўқанд шаҳрининг уч фарсахлик жанубий чеккасида жойлашган бу ер ҳозир харобага айланган. Хуллас, сулоланинг бу вакиллари илгари ўша мавзеда яшаганлар”. Қаранг: Муҳаммадҳакимхон. Мунтахаб ут-таворих (Тарихлардан сайланма китоб) / Форс-тожик тиладан таржима, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Ҳ. Воҳидов. Кўрсаткичлар тузувчилари Д. Сангирова, Ш. Юнусов. – Тошкент: Янги аср авлоди. – Б. 336.

¹⁵ Бейсембиев Т. К. Тарихи Шаҳрухи как исторический источник. – Алматы, 1989. С.12

¹⁶ Муҳаммадамин. Мазҳар ал-аҳвол // Қўлёзма. Ўз ФА ШИ. –№1936. 48^а-50^б; Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахабут-таворих. 338^а-340^а.

¹⁷ Қаранг: Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины (Ист. - этногр. очерк). – Нукус, 1959. С.20; Бейсенбиев Т.К., Кўрсатилган асар, 9 б.

Ўратепа юриши вақтида Бобобек Бешарикда ўлдирилди ва Эрдонабий қайта Қўқон тахтига ўтиради. Эрдонабий хонлиги даврида музокаралар олиб бориб, Хитойнинг Қўқон хонлигига ва Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон – Қошғар ишларига аралашмаслиги борасида шартнома тузилиб, анча муддат тинчлик ўрнатилди.

Эрдонабий даврида (1753-1762), Хитой манбалари¹⁸ ва «Тухфатут-таворих»¹⁹ маълумотларига қараганда, (1753-1770 йй) Фарғона тўрт вилоятга бўлинган. Булар: Андижон вилояти, Наманган вилояти, Чуст ва Қўқон мулки. Қўқон дор ас-салтанат, яъни давлатнинг пойтахти бўлган. Эрдонабий Исфара ва Хўжандни ўз мулкларига қайта қўшиб олиб, 1754 йили Ўратепага юриш қилади. Лекин шу юришда мағлуб бўлади²⁰. Эрдонабий 1762 йили вафот қилади. Уруғларнинг бий ва оқсоқоллари ўзаро маслаҳатлашиб, Сулаймонхон ибн Шодибий ибн Шоҳрухни тахтга кўтариш борасида қарор қабул қилишади. Аммо бир неча ойдан сўнг у тахтдан туширилади ва хонлик тахтига Абдулҳамидхон ибн Абдурахимхон «Норботир» – Норбўтабий (таваллуди ҳижрий 1163 йили, муҳаррам ойининг учинчи куни, милодий 1749 йил 13 декабр, вафоти ҳижрий 1213, милодий 1798 йили) ўтиради²¹. Норбўтабий ва Олимхон даврида (1798-1810 милодий йиллар) Қўқон хонлигининг бирлашиш жараёни ниҳоясига етади. Олимхон даврида Тошкент ва Чимкент хонлик худудига кўшилади.

Унинг даврида хонликнинг хўжалик ва маданий ҳаёти ривожлана бошлайди ва Қўқон Фарғонанинг маданий ва иқтисодий марказига айланади. XIX аср бошларида Қўқон хонлиги кўшни давлатлар билан алоқа ўрнатиб, уларга ўз элчиларини ҳам юборади. Қўқон хонлигининг Хива, Шарқий Туркистон, Бухорога юборган элчилари ҳақидаги маълумотлар манбалар орқали бизгача етиб келган²².

1805 йили етти йиллик ҳаракатлардан сўнг Олимхон Хўжандни, 1806 йили эса Ўратепани забт қилиб, ўз тасарруфи доирасига киргизади²³. Лекин кўп ўтмай Ўратепа мустақилликни қўлга киритиб, у ерда Махмудхўжа ҳоким бўлади. Олимхон Бухоро кўшинидан енгилб, сиёсатини ўзгартиради. Энди у Тошкентга юриш қилишга қарор қилади ва 1809 йили бу вилоятни ишғол этади. Бу ердан туриб Олимхон қишнинг ўрталарида кўшинини Сайрам ва Чимкентга, чекинган тошкентликлар кўшинига қарши юборади. Об-ҳавонинг қийинчиликлари, қишнинг совуқ келгани ҳамда Олимхоннинг қаҳрли зулмидан тўйган кўшин бошлиқлари ва хон душманлари унинг укаси Умархонни Олимхонга қарши қайрайдилар. Умархон хиёнатчилар қутқусига учиб ва яширинча кўнглига тугган эски ниятини амалга ошириш мақсадида уларга қаршилик билдирмайди²⁴. Умархон фитначилар бошлиқ кўшин билан акасини ташлаб, Қўқонга қайтади ва хонлик тахтига ўтириб олади. Олимхон Тошкентда қолган яқинлари билан Қўқонга қайтаётганда Умархон ва Тошкент зодагонларидан топшириқ олган амалдор ясовуллар ва айғокчи-қаровуллар таъқиби натижасида Олти кўш (Данғара атрофидаги қишлоқ) деган мавзеда қуршовда қолади ва Камбар мирзо исмли амалдор отган ўқдан ҳалок бўлади²⁵.

Олимхон ўлиmidан сўнг (ҳижрий 1225, муҳаррамнинг биринчи куни, милодий 1810 йил олтинчи февраль) Қўқон тахтига Умархон ибн Муҳаммад Абдулҳамид (Норботир, Норбўтахон) Баҳодир ўтиради. Умархон даврида эса зодагонлар қайта ҳокимият тепасига келиб, руҳонийлар ҳам давлат ва сиёсат ишларига аралашадиган бўлишади.

Бу даврда Самарқандга Юсуф мингбоши раҳбарлигидаги кўшин юборилиб, бу вилоятнинг чегаралари талон-торож этилади. 1816 йили эса Ражаб кўшбеги бошчилигидаги кўшин Туркистонни забт этиб, бу ўлка ҳам хонлик худудига киритилади. Шу юришдан сўнг Умархон руҳонийлар розилиги билан «амир ал-муслимин» унвонини олиб, ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятга эга бўлади. Умархон даврида Қўқон хонлигининг давлат тузуми, давлат ишларини юргизиш қонун-қоидалари, диний ишлар тартибга келтирилиб, мамалакат чегаралари аниқлаб олинади. Энди Қўқон давлатининг чегараси шимолда Туркистон ва Дашти Қипчоқча, ғарбда Самарқандгача, Жанубда Кўҳистон

¹⁸ Бу ҳақда қаранг: БейсембиевТ.К. “Тарихи шаҳрухи” как исторический источник. – С. 99.

¹⁹ Авазмухаммад Аттор. Тухфат ут-таворихи хоний. 53^б, 61^б, 69^б, 70^б, 86^а, 6.

²⁰ Қаранг: Валидов А. З. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. – Пг., т. XXII. 1915. 86-109; БейсембиевТ. К. Кўрсатилган асар, 13 б.

²¹ Умарнома, 20^а -24^б.

²² Қаранг: Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений по исторической географии Восточной и Срединной Азии. – Чебоксары, 1960. – С. 178; Бейсенбиев Т. К., Кўрсатилган асар. – Б.13.

²³ Тухфат ут-таворихи хоний, 87^б. 92^б. 98^б вар; Тарихи Шаҳрухий. – С. 41: Умарномаи Фазлий, 13^а - 26^б; НаливкинВ. Краткая история Кокандского ханства. – Казан. 1885. – С. 79. БейсембиевТ. К., Кўрсатилган асар. – Б. 14.

²⁴ Умарномаи Фазлий, 27^а-29^а.

²⁵ Тарихи жаҳоннамой, 39^б-55^б; Шоҳномаи нусратпаём, 51^б; Мунтахаб ут-таворих. II жилд (Токио нашри). – Б. 102-125. Муҳаммад Ҳакимхон Олимхон Қўқонга бир фарсах қолган жойда отиб ўлдирганини айтади (Ўша жойда. – Б.125).

хамда Кўлоб, Ҳисор ва Шаҳрисабзгача²⁶, Шарқда эса Шарқий Туркистонгача етарди. Умархон 1822 йили 29 декабрда (14 раби ас-соний, жума куни 1238 ҳижрий йили) вафот этгач, унинг вориси Муҳаммадалихон даврида (1822-1842) Қўқон ҳукуматини Кўлоб, Ҳисор, Бадахшон, Дарвоз, Масчоҳ тан олади. Муҳаммадалихон даврида қирғизларнинг баъзи туманлари Қўқонга қўшиб олинади.

Сирдарё бўйларидан Александр тоғлари ёнларигача Қўқон истехкомлари курилди, уларнинг атрофига дехқончилик қилувчи зироатчилар ва савдогарлар келиб яшарди. «XVIII аср воқеаларидан (жунгарлар истилоси давридан) сўнг қишлоқ ва қисман шаҳар ҳаёти қайта тиклана бошлади», – деб ёзган эди В. В. Бартольд²⁷. Бу жойларда Сирдарё соҳиллари бўйлаб қалъа ва истехкомлар, жумладан Оқмасжид, Туркистон, Қумқўрғон, Бишкек ва Тўқмоқ қалъаси, Куртка ва бошқа истехкомлар курилди. Аммо Ўратепа вилояти Қўқон ва Бухоро учун жанг ва урушларнинг майдони бўлиб қолди. Бу урушлардан фақат халқ азоб чекарди, холос²⁸.

Умархон давридан бошлаб Қўқон Ўрта Осиё минтақасида сиёсий жараёнлар ва халқаро муносабатларда фаол аралаша бошлади.

Муҳаммадалихон 1822 йили 29 декабрь (1238 14 раби ас-соний, жума куни) Маъсумхон Тўра, шайх ал-ислом Домулло Зокирхўжа эшон ва тоғалари Қосим бекларбеги томонидан хонлик тахтига кўтарилди²⁹. XIX асрнинг 20-йилларида Қўқон давлати хўжаларнинг ҳаракатлари сабабли Шарқий Туркистон ишларига аралаша бошлайди. 1824 йили Жаҳонгирхўжа Махдуми Аъзамий Қўқондан қочади ва Қошғарга бориб, Шарқий Туркистон халқларининг Хитой ҳукуматига қарши кўтарган кўзғолонларига бошчилик қилмоқчи бўлади. Бу сиёсатга Ҳаққули мингбоши ибн Ирискулибек бошчилик қилиб, Шарқий Туркистондаги Оқ хўжалар ҳукумати, яъни Жаҳонгирхўжа Махдуми Аъзамийнинг ҳукуматини қайтадан тикламоқчи бўлади. Жаҳонгирхўжа Махдуми Аъзамнинг катта ўғли Муҳаммадамин авлодларидан бўлиб, Хитой давлати Қўқон билан тузган шартномага кўра, уларни Қўқон давлатида сақлаши шарт эди. Қора хўжалар, яъни Оффокхўжа Махдуми Аъзамий Хитой ҳукуматини тан олиб, Шарқий Туркистонда ўз ҳукуматини сақлаганди³⁰. 13 январь 1832 йили Пекин Қўқон билан сулҳ тузиб³¹, Қўқонга баъзи енгилликлар берди. Масалан, Қўқон хони хонлик худудида Шарқий Туркистон ҳукуматига даъво қилинаётган хўжаларни ушлаб туриш ивазига ўз оқсоқоллари орқали Қошғардаги рабийатдан солиқ (бож) олиш ҳуқуқига эга бўлади³².

1833-34 йиллари Қоратегин босиб олинди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Қўқон ҳукуматини Кўлоб, Ҳисор, Бадахшон шоҳлари ҳам тан олди. Қирғизлар яшайдиган ерлар ҳам хонлик худудига қўшиб олинди. Лекин Муҳаммадалихон ҳукмронлиги даврининг охириги йилларида Қўқон давлатининг ички аҳволи оғир эди. Қўқон худудига қўшилган қирғиз ва қипчоқ бошлиқлари бир томондан, ерли аён ва зодагонлар, уларнинг айрим етакчилари иккинчи томондан ўзаро қаршилик ва душманликни бошлаб юборишди. Тошкентнинг ашрафзода руҳоний ва улуғлари, муҳожирликда юрган турли ижтимоий-сиёсий йўналишдаги гуруҳлар вакиллари (Муҳаммадҳакимхон бошчилигида) марказий ҳукуматни қўлга олиш учун курашни кучайтирди. Сарой ва хон атрофидаги мансабдор шахслар ҳам баъзан иғволарга қўл уриб туришарди. Бухоро амири Насруллоҳ (1826-1860) ҳам ички келишмовчилик ва қарама-қаршиликлардан фойдаланиб, бу бой ўлкани эгаллаш кўйига тушганди.

Натижада, 1842 йили 12 май куни Бухоро амири Насруллоҳ ҳарбий юриш натижасида Қўқон шаҳрини эгаллайди. Кўрганимиздек, аслида бу юриш ҳар хил гуруҳларнинг ички сиёсий зиддиятлари натижасида юзаган чиққан эди. «Шу гуруҳларданг бири – Тошкент аёнлари ва Шаҳрисабздаги қўқонлик муҳожирлар бирлашгач, ўз душманларини йўқ қилиш учун ҳамма воситалардан фойдаланиб, мақсадларига эриша олмай, Бухоро амири Насруллоҳдан мадад сўрашди», – дейилади ёзма манбаларда³³. Бу юриш ташкилотчиларидан бири муҳожирликда бўлган Қўқон хонлари

²⁶ Умарнома, 31^а-31^б.

²⁷ Бартольд В. В. История Туркестана. Конспект лекций. Сочинения. Т. II. 1. – Москва, 1963. – С. 217-288.

²⁸ Мухтаров А. М. Очерк истории Ура-Тюбинского владения в XIX веке. – Душанбе: Изд-во АН Тадж.ССР, 1964. – С. 34-36.

²⁹ Фаройиби сипоҳ, 3^б; Erkinov A. «Imitation of Timurids and Pseudo-Legitimation: On the origins of a manuscript anthology of poems dedicated to the Kokand ruler Mu'ammad 'Alī Khān (1822-1842)» (<http://www.nomadsed.de/calendar.html>).

³⁰ Қаранг: Кузнецов В. С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии. – Новосибирск, 1983. – С. 91-98.

³¹ Яна қаранг: Кулдашев Шерали. Политические, экономические и культурные связи между Кокандским ханством и Восточным Туркестаном (XVIII – середина XIX вв.). Автореферат дисс. канд. ист. наук – Ташкент: ИИ АН Узбекистана. 2009. – С. 18.

³² Ўша асар. 96-98; Бейсембиев Т. К. Кўрсатилган асари, 19 б.; Кузнецов В.С. Экономическая политика Цинского правительства в Синцзяне. – Москва: Наука, 1972. – С. 136-137.; Кутлугов М. Взаимоотношения Цинского Китая с Кокандским ханством. / Китай соседи. – Москва: Наука, 1982. – С. 215.

³³ Қаранг: Тарихи муҳожирон, 18^а б, 20^а вар; Тухфат ут-таворихи хоний, 210^а, 212^а 213^б вар; Бейсембиев Т. К. Кўрсатилган асари, 20 б; Мухтаров А. Кўрсатилган асари, 31-33 б; Плоских В. М. Киргизы и Кокандское ханство. – Фрунзе: Илим, 1977, 138-140 б; Тарихи жаҳоннамой, 218^б.

авлодига мансуб Ҳакимхон тўра ибн Маъсумхон шайх ал-ислом эди³⁴. Амир Насруллоҳ кўшини Фарғона водийсини талон-торож этиб, Қўқонни ҳам ғорат қилади. Қўқон хони Муҳаммадалихон ҳамда унинг яқинлари, укаси Султон Муҳаммад, онаси Моҳларойим (шоира Нодира), ўғли хонзода Муҳаммадаминхон ҳам ўлдирилади. Бу воқеадан олдин Бухоро амири Хўжа Қаландар мисгар кўзғолонини ҳам бостиради. Кўзғолон Бухоро истилосига қарши кўтарилган бўлса ҳам, унинг натижасидан хон душманлари фойдаланди³⁵.

Бухоро амири Қўқонда 13 кун туриб, хонликдаги кўплаб хунарманд косиблар, усталарни мажбуран Бухорога олиб кетади. Кўплаб хотин-қизлар ҳам ўз оиласидан жудо қилиниб, ўлжа сифатида Бухорога олиб кетилади ва ватанидан айрилган бу муштипар аёллар чет ўлкаларда ғарибликда яшаб қоладилар³⁶. Амир Насруллоҳ Иброҳим парвоначи манғитни Қўқонга ҳоким қилиб, ўзи Бухорога қайтади. «Иброҳим Хаёл» лақаби билан танилган бу банги парвоначи ўзининг икки ой ҳукмронлиги даврида аҳоли бошига янги-янги солиқлар солиб, Фарғона халқига ниҳоятда кўп ва оғир жабру-ситам етказди³⁷. 70 кундан сўнг эса Қўқон халқи қипчоқ ва қирғиз жамоалари кучлари билан бирга манғитларни Қўқондан ҳайдаб чиқариб, тахтга Шералихонни кўтарадилар. Янги хон муваффақиятига Хива хонининг Бухоро амирлигига қилган ҳужуми ҳам мадад бўлади³⁸. Кўп вақт ўтмай, Қўқон хонлиги олдинги чегараларини тиклаб олади. Қўқондан Тошкент, Хўжанд ва жанубий Қозоғистонгача бўлган мулкларга волийлар қайта тайинланади. Шералихонни тахтга кўтарган қипчоқ-қирғиз жамоаси раҳбарлик мансабларини қўлга олади. 1842 йили кузда Талас қирғизларининг бошлиғи Муҳаммадюсуф Шералихонга ёрдам бериб, уни хонлик тахтига кўтариб (14 ёки 15 июль 1842 йил), ўзи мингбоши бўлиб олади. Бироқ орада манғитлар лашкарини Қўқон давлати ҳудудидан ҳайдашда иштирок этган қипчоқларга олий мансаблар тегмай қолади. Муҳаммадюсуф ҳам уларга қарши хатти-ҳаракатларни бошлайди. Бу хабарни эшитиб, қипчоқлар Андижон ва Шаҳрихонга бориб кўшин йиғишади. Қипчоқлар олдида музокара учун Юсуф мингбоши ва Шералихоннинг ўғли Саримсоқбек юборилади. Қипчоқлар талаби билан Муҳаммад-Юсуф мингбошилиқ мансабидан четлантирилади ва ўрнига Кали Шоди деган киши вазир бўлади. Муҳаммадюсуф Марғилонга ҳоким этиб юборилади. Каримкули додхоҳ Андижонда ҳоким бўлгач, Мусулмонқул унга ботурбоши этиб тайинланади. Шу билан «Мусулмонқул давлат отига миниб, ўнг қўлига қудрат қиличини олиб, белига душманга қирон келтирадиган шамширини осадилар»³⁹. Мусулмонқул асли қипчоқларнинг қулон уруғидан бўлган⁴⁰. У Марғилон кўшинига сардорлик қиларкан, 1843 йили кўзғолон кўтариб, Муҳаммадюсуфни Чуст яқинида мағлуб этади. Мусулмонқулнинг бундай норозилигига қипчоқларга қарши уюштирилган суиқасд сабаб бўлган эди. Юсуф мингбоши қабиладошлари билан Шоди додхоҳни, Шоди додхоҳ эса Юсуф ва Мусулмонқулни давлат ишларидан четлаштирмоқчи бўлади. Мусулмонқулни қипчоқлар ҳамда қорақалпоқ ва қалмоқлар қўллади. У Наманганни олгач, Шоди додхоҳни ҳам мағлуб этиб, ўлдиради. Қипчоқлар Қўқонни босиб олишади, натижада Ўтамбий Марғилонда, Кўри Сидиқ Андижонда, Мирзот Наманганда, Шер Кировучида, Нормуҳаммад Тошкентда, Норбахши Хўжандда ҳоким бўлиб олади. Каримкули дастурхончи ва Қулбобо (Ҳотамкули қипчоқ) рисолачи бўлишади⁴¹. 1844 йили қирғизлар ҳам куч йиғиб, Моду ва Ўш атрофида бош кўтаради. Улар Алимбек, Саййид додхоҳ ва Пўлод додхоҳ бошчилигида Мусулмонқулга қарши жангга чиқишади. Мусулмонқул Қўқон лашкари билан Ўшга келади. Аммо унинг йўқлигидан фойдаланган маҳаллий аъён-ашрафлар Олимхоннинг ўғли Муродхонни тахтга кўтариб, Шералихонни ўлдиришади. Бу хабарни эшитган Мусулмонқул Ўшдан тезлик билан пойтахтга келиб, 9 кун ҳокимлик қилган Муродхонни қатл этади ва Шералихоннинг ўғли Худоёрхонни хон деб эълон қилади⁴². Ёш хонга ўз қизини бериб, унга қайнота бўлгач, оталиқ унвонини ҳам олади. Шу зайл ҳукуматдаги таъсир кучи қипчоқ бийлари қўлига ўтади.

³⁴ Мунтахаб ут-таворих, № С 470. – Б. 651-653; 1985, – Б. 710-741; Хусусан қаранг.: Ғаройиби сипоҳ, 11^{а, б}

³⁵ Тухфат ут-таворихихоний, 218^б; Тазкирайи султони. 60^б-61^а; БейсембиевТ. Кўрсатилган асари, 20 б.

³⁶ Тарихи жаҳоннамой, 229^а-233^б.

³⁷ Зафарномаи хусравий. / Подготовка факсимильного текста, введение, указатели и аннотированного оглавления И. Рахматова. – Душанбе: Дониш, 1989. 112^а – 14^а.

³⁸ Тарихи жаҳоннамой. 244^а-245^б.

³⁹ Ўша жойда., 181^а.

⁴⁰ Жангномаи Худоёрхоний, 5^{а, б}.

⁴¹ Жангномаи Худоёрхоний, 5^б вар; Зафарномаи Худоёрхоний, 6^а.

⁴² “Мунтахаб ут-таворих” асарининг муаллифи Муҳаммадҳакимхоннинг маълумотига қараганда Шералихон 2 шаъбон 1260/16 август 1844 йили Муродхон томонидан қатл қилинган. Шунда у 55 ёшда бўлган, 2 йил ва бир ойу 25 кун хонлик қилган. Муродхон 9 кунлик хонликдан кейинг 9 шаъбон 1260/23 август 1844 йили қипчоқлар қўлида Мусулмонқули ва Муҳаммадназарбек раҳбарлигида ўлдирилган. Худоёрхон 24 августда тахтга кўтарилди. Қаранг: Муҳаммадҳакимхон. Мунтахаб ут-таворих / Кириш, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 126.

Шералихон катта ўғли Саримсоқбек (Абдурахмонбек)ни Тошкент мулкида, Худоёрхонни Андижонга ҳоким этган эди⁴³.

Шералихонни тахтдан тушириб, унинг ўлдирилишида фаол иштирок этган руҳонийлар – Зокирхўжа шайх ал-ислом, домла Холмуҳаммад раис, домла Хўжамқули аълам, Сулаймон хўжа, шаҳар улуғлари ва катта ер эгалари вакиллари раҳматилла додхоҳ, Сотиболди додхоҳ, Охун додхоҳ, Муҳаммадкарим халифа, Мулла халифа ва бошқалар Мусулмонқул томонидан қатл этиладилар.

Ёш Худоёрхон қайнотаси Мусулмонқул ва қипчоқлар таъсирида қолиб, давлат бошқарувидан бутунлай четлатилган эди. «Шундай замон бўлдики, - деб ёзади замондош муаррих Иваз Муҳаммад, - ҳар ким ўзича ҳукм сурарди. Хон унвони маъносиз бўлди. Мусулмонқул ва қипчоқнинг бошқа ашрофлари ўлкани ўзаро бўлиб олдилар»⁴⁴. Мусулмонқули мингбошилиқ лавозимига эга бўлади. Қипчоқлар ўз авлодлари билан гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Қўқон шаҳри ичкарасига кириб яшай бошлашади. Шаҳардаги аҳолини ҳайдаб чиқариб, ер ва мол-мулкларига эга бўлишди. Манбаларда хабар берилишича, Мусулмонқул ҳатто эски Ўрда ерини ҳам ўз қабиладошларига бўлиб берган⁴⁵.

Қўқон атрофидаги ҳокимиятни қўлга киритгач, Мусулмонқул Хўжандни Турдибой қипчоққа беради, Тошкентни ҳам ўз тасарруфига ўтказиш учун Абдурахимбек (Саримсоқхон)ни алдаб, Қўқонга олиб келади ва Балиқчиға ҳоким этиб қўяди. Олдига Худойберди додхоҳни ботурбоши этиб тайинлайди, аммо тез орада уни ўлдиради. [*Салимсоқхоннинг, «Саримсоқхон» ҳам дейилган) асл исми Абдурахмонхон⁴⁶ бўлиб, у 1842 йилда хонликка кўтарилган Шералихоннинг (1842-1845) қирғиз хотини Ёркинойимдан туғилган тўнғич ўғли эди. Маълумотларга қараганда, Шералихон ўғилларининг барчаси унинг таласлик қирғиз хотинларидан туғилган. Жумладан, Ёркинойимдан Салимсоқхон, Худоёрхон ва Султон Муродбек, Сўнаойимдан Маллахон ва Сўфихон туғилган. Бундан ташқари, Норчучук ойим, Офтоб ойим ва Моҳлар ойим исмли қизлари ҳам бўлган⁴⁷.

Маълумки, Тошкент 1842 йилда Бухоро ҳукмдори амир Насруллоҳнинг (1826-1860) Қўқон хонлигига қарши ҳарбий юриши ва Қўқон хони Муҳаммадалихон (1822-1841) ҳалокатидан сўнг амирлик таркибига қўшиб олинган. Тошкентда эса 1842-1843 йилларда амирнинг ноиби Муҳаммадшариф оталиқ ҳокимлик қилган. 1843 йилда Шералихон тарафдорлари томонидан бошланган ҳаракат натижасида хонликдаги ҳокимият ва кўп ўтмай Тошкент ҳам яна Қўқон хонлигига ўтган.

Бу пайтда Салимсоқхон Шералихоннинг бошқа ўғилларига нисбатан ёши анча катта бўлган ва у отасининг тахт тепасига келиши арафасидаги ҳарбий ҳаракатларда фаол қатнашган. Шу сабабли ҳам у 1843 йил бошида амирнинг ноиби Муҳаммадшариф оталиқ ҳокимлик қилаётган Тошкентни қайтариб олиш учун юборилган Қўқон ҳарбий кучларига бошчилик қилган. Тошкент олингач, Шералихон Салимсоқхонни Тошкентнинг янги ҳокими этиб тайинлайди. Саримсоқхон отаси Шералихоннинг ҳокимияти ҳали хонлик худудида мустақам бўлмаганлиги боис кўп вақтини Тошкентда ўтказиб, бошқарув ишлари билан шуғуллана олмаган. Чунки у ўша вақтда айрим амирларнинг эндигина тахтга чиққан Шералихонга қарши кўтарилган исёнларни бостиришга юборилган ҳарбий ҳаракатларда банд бўлган. Шунинг учун 1843-1844 йиллар давомида унинг номидан Муҳаммадкарим калла Марғинойий ясовул ва Мустафоқулихон Салимсоқхоннинг ўринбосари сифатида Тошкентда ҳокимлик қилган⁴⁸.

⁴³ Манбалар маълумотида қараганда Шералихоннинг хотини қирғизларнинг бағиш қабиласидан бўлган. Лекин шуниси аниқки, қирғиз қизи Сунаойимдан Маллабек ва Сўфибек, талаш қабиласига мансуб Ёркинойимдан Саримсоқбек, Худоёрхон ва Султон Муродбек оламга келган. Шералихоннинг учта қизи – Норчучук ойим, Офтоб ойим ва Моҳларойим бўлган. Қаранг: Тарихи Азизий, 315^{а,б}.

⁴⁴ Тарихи жаҳоннамой, II.194^а.

⁴⁵ Ўша жойда.

* Шу қавс ёпилгунга қадар маълумотлар Ў.Султоновнинг “Салимсоқхон – Тошкентнинг мустақил ҳокими (1846-1847 йй.)” номли мақоласининг қўлёзмасидан (2-6 бетлар) олинди. Ундан фойдаланиш учун розилик берганига Ўқтамга миннатдорчилик изҳор этаман.

⁴⁶ Қўқон хонлари сулоласида биринчи Абдурахмонхон Абдулкаримбийнинг ўғли бўлиб, у 1750-1751 йилларда хонлик қилган. Мазкур Абдурахмонхон Салимсоқхоннинг катта бобоси эди – Салимсоқхон ибн Шералихон ибн Ҳожихон ибн Абдурахмонхон ибн Абдулкаримхон (Абдулкаримбий) ибн Шоҳруххон (Шоҳрухбий).

⁴⁷ Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1885. – С.146; Набиев Р. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худаярхана). – Ташкент: Фан, 1973. – С.86; Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фуркат. – Тошкент: Шарк, 2001. – Б.70.

⁴⁸ Бейсембиев Т. Высшая администрация Ташкента и юга Казахстана в период Кокандского ханства: 1809–1865 гг. / Историко-культурные взаимосвязи Ирана и Дашти Кипчака в XIII-XVIII вв. Материалы Международного круглого стола. – Алматы, 2004. – С. 291-313.

Бироқ, ҳижрий 1260 йил 2 шаъбонда, милодий 1844 йил 16 августда Шералихон фитна натижасида ўлдирилгач (Ш. Воҳидовнинг берган маълумоти), Олимхоннинг ўғли Шоҳмуродхон ўн (9 – Ш.В.) кун тахтни эгаллаб турди. Ўша вақтда катта сиёсий ва ҳарбий мавқега эга бўлган Мусулмонкул мингбоши Шоҳмуродхонни қатл эттириб, Шералихоннинг гўдак ўғли Худоёрхонни хонликка кўтарди ва амалда ҳокимиятни ўз қўлига олади. Тошкентга эса Мулла Бозорбой қипчоқ ҳоким қилиб тайинланади. Бу воқеадан Тошкентдан Қўқонга, отаси ҳузурига келаётганда хабар топган Салимсоқхон Бухоро амирлиги ҳудудига кетишга мажбур бўлди. Салимсоқхон Бухоро амирлиги тасарруфига ўтган Қўқон хонлиги ҳудудларини қайтариб олишда катта хизмат кўрсатган шахслардан бири бўлса-да, амир Насруллоҳ учун амирлик ноибларини Қўқондан сиқиб чиқариб Шералихонни тахтга ўтказган сиёсий кучларнинг етакчиси Мусулмонкул мингбошига қарши тура оладиган кучни қўллаб қувватлаш орқали икки томонни заифлаштириш манфаатлироқ эди. Лекин ҳозиргача на Қўқон манбаларида ва на Бухоро манбаларида Салимсоқхоннинг Бухорода, амир ҳузурига бўлгани ҳақида аниқ маълумотларни учратмадик. Фақатгина иложсиз қолган Салимсоқхоннинг Бухоро сарҳадларига йўл олмоқчи бўлгани ҳақида эслатиб ўтилган. Фикримизча, Салимсоқхон қисқа муддат Мусулмонкул мингбоши назаридан узоқроқ юрмоқчи бўлган. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида келтирилишича, бу вақтда у Тошкент ғарбидаги Чордара қалъасидан қўним топган. Ёзма манбаларда аниқ маълумотлар бўлмаганлиги сабабли Салимсоқхоннинг Мусулмонкул мингбоши таъқибидан қочиб юрган йиллари, яъни 1844 йил кузидан 1846 йил бошига қадар нима билан машғул бўлгани ҳақида аниқ бир фикрни айтиш мушкул.

Салимсоқхон Шералихон ўғиллари орасида ақлан ва жисмонан етук, сиёсий ва ҳарбий ишларда анчайин тажриба орттирган шахзода сифатида ёш Худоёрхонни тахтга чиқариб, амалда ҳокимиятни ўзи эгаллаб олган Мусулмонкул мингбоши ҳукуматига қарши катта ҳавф туғдирган. Салимсоқхоннинг Бухоро амири ҳузуридан паноҳ топиши эса унинг амирдан олинган мадад кучлар билан тахтни қайтариб олиш ҳавфини янада кучайтирар эди. Шу сабабли Мусулмонкул мингбоши кўрсатмаси билан Тошкент ҳокими Мулла Бозорбой Давронбек парвоначини (кейинчалик баҳодирбоши бўлган) Тошкент қўшинига бош қилиб Салимсоқхонни таъқиб қилиш учун юборган.

Абу Убайдуллоҳ Тошкандийнинг ёзишича эса, Давронбек парвоначини ўша вақтда ҳоким бўлган Мулла Холбек бир неча юз кишилик қўшин билан Чордара мавзеида турган Салимсоқхонни қўлга тушириш учун юборган. Муаллифнинг ёзишича, қипчоқлар таъқибидан қочиб юрган Салимсоқхон Самарқанд тарафларга кетиб қолган. Сўнг Чордарага келиб, қўрғон ҳокими билан яқинлашиб, Тошкентни қўлга киритиш умидида унинг ҳузуридан истиқомат қилиб турган. Мусулмонкул мингбоши ҳукуматидан ҳадикда юрган Давронбек парвоначи Мулла Холбекни асир олиб, Салимсоқхонни Тошкентга келтириб ҳокимликни топширган⁴⁹.

Муҳаммадсолиххўжага кўра, Давронбек парвоначи Тошкентнинг Кўкча дарвозасидан чиқиб, Қорақамиш ариғи бўйига келади ва обрў-эътиборли кишиларни воситачи қилиб, Салимсоқхон томонига ўтиб кетган. Давронбек парвоначининг Мусулмонкул мингбошидан ҳадиксираши ва Салимсоқхон тарафига ўтиб кетиши бежиз бўлмаса керак. Чунки Мирзо Олим Мушрифнинг ёзишича, Давронбек парвоначи аввалдан Салимсоқхон хизматида бўлган ва у билан Бухорога ҳам кетмоқчи бўлиб йўлга чиққан⁵⁰. Бироқ, номаълум сабабларга кўра Хўжандда қолишга мажбур бўлган ва кейинроқ, Қўқонга келиб Худоёрхон хизматида кирган.

Нима бўлганда ҳам Тошкентнинг асосий кучларини ўз қўлига олган Салимсоқхон Давронбек парвоначи ҳамроҳлигида Тошкентга келиб шаҳарни эгаллайди. Таниқли олим Т.Бейсембиев Салимсоқхоннинг Тошкентни иккинчи бор қўлга киритиши санасини ҳам 1844 йил деб кўрсатади. Лекин бу маълумот мантиқан нотўғри бўлса керак. Чунки, Салимсоқхоннинг отаси ўлимидан сўнг, яъни 1844 йил кузидан 1846 йил бошига қадар нима билан машғул бўлгани ҳақида аниқ бир фикрни айтиш мушкул бўлса-да, унинг Мусулмонкул мингбоши ҳукумати таъқибидан қочиб юришга мажбур бўлгани шубҳасиз. Бундан ташқари, 1844-1845 йилларда Тошкентда Мулла Бозорбой қипчоқ ва Мулло Холбек қипчоқ ҳокимлик қилгани маълум. Муҳаммадсолиххўжанинг қайд қилишича, Салимсоқхоннинг Тошкентда мустақил ҳокимлик қила бошлаши ҳижрий 1262 йил рабиъ ус-соний ойи охирида, милодий 1846 йил, апрель ойида юз берган⁵¹.

Тошкентни қўлга киритган Салимсоқхон вазиятдан келиб чиқиб ҳузурига ҳарбий ишларни яхши биладиган амалдорларни тўплаб, ён атрофдаги хонликка қарашли мулкларни эгаллашга

⁴⁹ Абу Убайдуллоҳ Тошкандий. Хулосат ул-аҳвол. // Қўлёзма. ЎЗР ФАШИ, №2084. – 99^а.

⁵⁰ Қаранг: Мирза Алим ибн Мирза Раҳим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таварих ал-хавакин (Генеология султанов и история хаканов). Пер., прим. и указатели С.Юлдашев. Введение и научный редактор Ш.Вахидов. – Ташкент, 2007. – С.117-118.

⁵¹ Муҳаммад Солиххўжа. Тарихи жадидаи Тошканд. – 466^б.

интилган. Муҳаммадсолиххўжанинг ёзишича, Салимсоқхон ўз мулкини кенгайтириш мақсадида собиқ Тошкент ҳокими Лашкар бегларбеги ва Давронбек баҳодирбошига бошчилигидаги Тошкент кўшини билан Тўйтепа, Чўли Мирзо (Мирзачўл), Убайдуллахон работи йўналиши билан Мусулмонқул мингбоши ҳокимияти амалда заиф бўлган Хўжандга юриш қилган.

Бундан хабар топган Мусулмонқул мингбоши Тошкент устига кўшин тортган. Салимсоқхон эса ноиложликдан Хўжанд юришини қолдиришга мажбур бўлади ва Тошкентга қайтиб мудофаага тайёрланган. Бу вақтда Салимсоқхон буйруғи билан Тошкент шаҳри деворлари ва дарвозалари таъмирланган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асаридаги маълумотларга қараганда, Амир Насрулло ҳузуридан Ражаббек иноқ кушбеги бошчилигида тахминан 2000 навкар Салимсоқхонга мадад учун етиб келган. 1846 йилнинг охирида Мусулмонқул мингбоши Худоёрхон билан бирга Хўжанд йўли билан Тўйтепа орқали келиб, Тошкентга бир фарсах масофа ерда тўхтаган. Совуқ ҳаво бўлишига қарамай Тошкент шаҳри қирқ кун қамалда ушлаб турилган⁵². Асар муаллифининг ёзишича, қамал пайтида Мусулмонқул мингбоши буйруғи билан Бешёғоч, Қўймас ва Қўқон дарвозаларига баланд нарвонлар қўйилиб кўрғон ичига киришга ҳаракат қилинган. Лекин, Бешёғоч дарвозасига Лашкар бегларбеги, Қўймас дарвозасига Ражаббек иноқ, Қўқон дарвозасига Даврон парвоначи кучлари олдиндан жойлаштирилган бўлиб, улар дарвозаларни каттиқ мудофаа қилган. Сўнг мудофаачиларнинг бирлашган кучлари тилга олинган уч дарвозадан чиқиб қўқонликларга қакшаткич зарба берган ва Мусулмонқул мингбоши қамални ташлаб кетишга мажбур бўлган. Бироқ, атрофдаги туманларни ва Ниёзбек кўрғонидаги сув тўғонини бузиб юбориб юборган.

Таъкидлаш жоизки, Салимсоқхоннинг Тошкентдаги асосий суянчи ва содиқ кишиларидан бири Давронбек баҳодирбоши эди. Маълумки, баҳодирбоши мансаби эгаси Тошкент ҳокимининг ҳарбий соҳадаги ёрдамчиси бўлиб, мазкур маъмурий бирликнинг ҳарбий кучи унинг измида бўлар эди. Давронбек баҳодирбоши ўз салоҳияти ва мавқеидан келиб чиқиб Салимсоқхон ҳокимлиги вақтида катта эътибор қозонди.

Тошкентнинг қамал қилинишига тасодиф туфайли Қўқондан Тошкентга қайтаётганда гувоҳ бўлган «Хулосат ул-аҳвол» асари муаллифи ҳам тилга олиб ўтган. Абу Убайдуллохнинг ёзишича, ушбу қамалдан сўнг шаҳарда қимматчилик бошланиб, Салимсоқхоннинг атрофидаги аёнлар фитна кўтариб Салимсоқхон ва Давронбек ўртасида зиддият келтириб чиқармоқчи бўладилар. Давронбек ўзини ўлдирилиши ҳақида эшитиб, Туркистон ҳокими, бемор бўлиб ётган укаси Қаноат оталиқ ҳузури боришни баҳона қилиб Тошкентдан чиқиб кетган⁵³.

Тошкент кўшинининг асосий қисмига бошчилик қилиб турган Давронбек баҳодирбоши Туркистонга кетганидан хабар топган Мусулмонқул мингбоши Керовчи ҳокими Ўтаббой кушбегини ишга солиб, эътиборли тасаввуф намояндаси Миён Фазл Ҳалил воситасида Салимсоқхон билан сулҳ тузишга эришади. Натижада, Салимсоқхон номидан, Тошкентдан Бекмуҳаммадбий Нурмуҳаммадбий ўғли ва Қози Ислон келиб Салимсоқхонга зиён етказмаслик шарти билан сулҳ тузган. Балиқчига ҳоким этиб тайинланиб, Қўқонга юборилган Салимсоқхон Мусулмонқул мингбошининг махфий буйруғи билан йўлдаёқ ўлдирилиб юборилган⁵⁴. Тошкентга янги ҳоким қилиб юборилган Мусулмонқул мингбошининг ашаддий тарафдорларидан бўлган Азиз парвоначи ҳокимлигининг дастлабки кунларидаёқ, Тошкентни топширилишига қаршилик қилган Салимсоқхоннинг яқин кишилари бўлган бир гуруҳ шаҳар аёнларини жумладан, Бекмуҳаммадбий Нурмуҳаммадбий ўғли, Самандар баҳодир Нурмуҳаммад баҳодир ўғли, Эшонхўжа оқсоқол ва бошқаларни Қўқонга жўнатиш баҳонасида йўлда ўлдирилган⁵⁵.

«Тарихи Туркистон» асари муаллифи Мулла Олим Махдум ҳожи Салимсоқхоннинг Бухоро амири номидан ҳокимлик қилиб турганини таъкидлайди⁵⁶. Тошкент қамали вақтида амир ҳузуридан келган мадад кучлар ҳам ушбу фикрни тасдиқлагандек. Лекин, бизнингча, Салимсоқхон Муҳаммадшариф оталиқ сингари амирга тобеъ ҳоким бўлмаган. Чунки, унинг ҳатти ҳаракатлари унинг Тошкентда амирга тобе ҳоким сифатида қолиш ёки мустақил Тошкент беклигини тузиш нияти

⁵² Ўша жойда. – 471^{аб}.

⁵³ Абу Убайдуллох Тошкандий. Хулосат ул-аҳвол. – 101^а.

⁵⁴ Бу ҳақда деярли барча манбаларда тўхталиб ўтилган: Муҳаммадсолиххўжа. Тарихи жадидаи Тошканд. – 475^а; Ниёзмухаммад Хўқандий. Тарихи Шоҳрухий (Ибрат ал-хавоқин) // Қўлёзма. ЎЗР ФАШИ. – №1787. – 136^а; Абу Убайдуллох Тошкандий. Хулосат ул-аҳвол. – 101^а; Мирза Алим ибн Мирза Раҳим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таварих ал-хавоқин. – С.124; Мирзо Олим Махдумҳожи. Тарихи Туркистон. – Б.114 ва бошқ.

⁵⁵ Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. – Б.96.

⁵⁶ Мирзо Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. Араб ёзувидан таъдил Ш.Воҳидов, Р.Ҳолиқова. Масъул муҳаррир З.Чориев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б.113.

бўлган деган тахминларни йўққа чиқаради. Аксинча, Салимсоқхоннинг Тошкентдаги мустақил ҳокимлиги даврида олиб борган сиёсати унинг келгусида Тошкентдан туриб секин-аста Қўқон хонлиги ҳудудларини қайтариб олиш йўли билан ҳокимиятни эгалламоқчи бўлганлигидан далолат беради. Зеро, бу пайтда унинг қўл остига Тошкент ҳокимига қарашли ерлар кирар эди. Салимсоқхон олиб борган ишларидан унинг ёш бўлишига қарамай тиришқоқ ва уддабурон шахзода бўлганлигини кўриш мумкин.

Қўқон хонлиги тарихнависларининг ёзишича, Салимсоқхондан Шоҳмуродхон (айрим асарларда Султон Муродхон) номли бир ўғил қолган. Мазкур Шоҳмуродхон 1862 йил Маллахон ўлдирилгач, Алимқули амирлашкар ва Шодмонхўжа қушбеги тарафидан хонликка кўтарилган. Худоёрхон Бухородан қайтганидан сўнг амирлари Ёрмозорга ташлаб кетган Шоҳмуродхонни ҳибсда ушлаб турган. Тахтни қайта эгаллаган Алимқули амирлашкар Шоҳмуродхон ва унинг Саримсоқхон исмли гўдак фарзандини ўлдириб, Маллахоннинг ўғли Султон Саъидхонни тахтга чиқарган⁵⁷.] Мусулмонқул Тошкент ҳокимлигини аввал Мулла Холбекка, уч ойдан сўнг эса Азиз парвоначига тақдим этади. Кировучи тумани эса Нормухаммад қипчоққа берилади. Мулла Холбек ҳокимият тепасидан туширилиб, Қўқонга қайтади. Шундай қилиб, қипчоқлар ўртасига низо тушади. Туркистон ҳокими Қаноатшоҳ эса янги хонни тан олмайди ва Азиз парвоначига эътироз билдиради. Азиз парвоначи Қаноатшоҳга қарши чиқиб, Туркистонни етти ой давомида қамал қилади ва ҳарбий ҳийла сифатида шаҳарни сув остида қолдириб, шунинг натижасида Туркистон шаҳрини ишғол қилишга эришади. Қаноатшоҳ эса Бухоро амирлигига чиқиб кетиш шарт билан омон қолдирилади. 1846 йили Мусулмонқул бошқа қипчоқ зодагонларининг маслаҳати билан Ўратепага юриш бошлайди. Шаҳарни қамалда қолдириб, унинг атрофини талон-торож қилади. Қайтишда хон ва Мусулмонқул ораларида адоват пайдо бўлади. Хон Мулла Холбек қўшбегини мингбоши этиб, Мусулмонқулни Қураманнинг Облиқига сургун қилди.

Тошкентга қайтгач, Азиз парвоначи Мусулмонқулнинг мингбошилиқдан тушганини эшитиб, бунга қарши чиқади. Мусулмонқулнинг ўрнига Мулла Холбек мингбоши бўлган эди. Энди қипчоқлар ҳокимияти учун ўзаро урушлар бошланади. Бироз ўтмай Облиққа сургун қилинган Мусулмонқул Азиз парвоначи ёрдамида иккинчи марта (1847 й.) мингбошилиқ мансабига кўтарилади. Мулла Холбек қипчоқ (ғулом) Мусулмонқулнинг ўрнига вазир бўлганида қипчоқ ашрофларининг талабларини қондира олмади. Қипчоқлар кенгаши унинг вазирлигига қарши чиқди. Бу низолардан фойдаланиб, Норбўтахоннинг невараси Пошшоҳўжа қўзғолон кўтариб, хон бўлмоқчи бўлди. Бундан хабар топган қипчоқлар Урганжий деган жойда унинг тарафдорлари Муҳаммаддиёр қўрбоши офтобачи билан тўқнашиб қолади. Суиқасдчилар тарафдорлари мағлуб бўлиб, баъзилари Тошкентга қочади, қолганлари қипчоқлар қўлига тушиб ўлдирилади.

Азиз парвоначи ҳам ўз ҳомийси Мусулмонқулнинг вазирликдан тушганини эшитиб, Қўқонга қаршилиқ кўрсатади. Шунда қипчоқлар Тошкентга юриш қиладилар. Аммо шаҳарни қўлга кирита олмадилар ва бу ҳарбий юриш қийинчиликлари уларни орқага қайтишга мажбур қилади. Қайтишда Тилав қишлоғида (Қурама яқинларида) кенгаш қилиб, Мусулмонқулни қайта мингбошилиқ лавозимига кўтариш тўғрисида бир қарорга келдилар. Оқ ота қишлоғида Мусулмонқул Худоёрхон билан учрашиб, қайта, учинчи марта (1848 й.) мингбоши этиб тайинланади. Бундай натижалардан норози бўлган қипчоқларнинг бошқа гуруҳи Мулла Каримқул дастурхончи, Хотамқули рисолачи, Муҳаммадназар Кўрўғли, унинг ўғли Холмуҳаммад додхоҳ, Кировчи вориси Нормухаммад додхоҳ ўз қўшини билан Азиз парвоначига қарши уруш бошлаб, Тошкентни олишади. Нормухаммад қўшбеги Тошкентга ҳоким бўлади. Шаҳар қарийб уч йиллик Азиз парвоначи зулмидан озод бўлади. Бу ўринда масалага ойдинлик киритиб айтиш керакки, Тошкент шаҳри халқининг Азиз парвоначи зулмига қарши 1847 йили кўтарган қўзғолони бундай юришда қипчоқларнинг ана шу гуруҳига қўл келганди. Қўзғолон тафсилотининг шохиди сифатида ўша кунлари Тошкентнинг Жанггоҳ маҳалласида яшаган Авазмуҳаммад Аттор Хўқандий бу тўғрида қуйидаги аниқ хабарни ёзиб қолдирган:

«Азиз парвоначи қипчоқлар қамалидан озод бўлиб, хазинаси бўшаб қолганини билгач, ўз яқинлари маслаҳати билан вилоят аҳолисига «музофот пули» деган солиқ солади. Тошкентнинг ҳар кўча ва маҳаллаларига солиқ пули белгиланади. Бу хабар Азиз парвоначи зулмидан азоб чекаётган шаҳарликларга етиб боради ва улар Муҳаммаднусуфбой парчабоф бошчилигида қўзғолон кўтардилар. Шаҳар ашрофларидан бир неча кишини Кировучи ҳокими Нормухаммад қўшбеги қипчоқ олдиға юборишди.

Азиз парвоначи қўзғолончиларга қарши тўп ва қуролларни ишга солди. Қўзғолончилар Жанггоҳ, Парчабоф ва Мисгар маҳаллаларида йиғилиб турарди. Жангда Азиз парвоначининг

⁵⁷ Муҳаммадаминбек. Фарғона музофотининг хонлари хусусидаги воқеалар // Туркистон вилояти газети. 1894, 22 март.

ботурбошиси Раҳимбек ибн Қозоқ яраланади. Бешёғоч маҳалласидан ҳам мингга яқин кишилар топган нарсалари билан куролланиб, Парчабоф маҳалласига келди. Азиз парвоначи ўз Ўрдасида паноҳ топади. Шу пайт Шодмонхўжа парвоначи Қурамадан Нормухаммад кўшбеги билан етиб келади. У Тошкентнинг ўн икки дарвозасини ёпиб, халқ ёрдамида Ўрдани қамал қилди. Нормухаммад кўшбеги ҳам етиб келди ва Бешёғоч дарвозаси олдида кўнди. Азиз парвоначи лашкарининг сарбозлари қамалнинг икки ҳафтасидан кейин уни ташлаб кета бошлади. Шу ҳолатда Азиз парвоначи таслим бўлганидан сўнг, уни оила аъзолари билан Қўқонга жўнатишди. Кейинчалик уни Ўтаббий олдиға, яъни Марғилонга юборишди. Икки-уч ойдан сўнг уни қаршилиқда айблаб, Қўқонга олиб келиб қатл этдилар ва Катта қабристонга дафн қилинди. Нормухаммад кўшбеги Тошкентга ҳоким бўлди»⁵⁸.

1848 – 1849 йилларда қирғизлар ҳам бу ўзаро урушларга кўшилди ва қипчоқлар билан Балиқчи атрофида жанг қилиб, мағлуб бўлдилар. Қирғизлар билан бўлган тўқнашув қипчоқларни бирлаштирмади. Мусулмонқулга қарши бўлган қипчоқлар ўз бошлиқлари Мулло Холбек, Мухаммадёр додхоҳ, Жумабой додхоҳ, Раҳимқули додхоҳлар билан Қўқон-Андижон воҳасига кетдилар. Тўрт ойдан сўнг Қўқонга қарши қилган юришлари натижасиз тугади. Уларнинг бошлиқлари эса Мусулмонқул томонидан қатл этилди.

Тошкент мулки Нормухаммад кўшбеги ҳокимлиги даврида ҳам, Мусулмонқул мингбоши бўлган замонда ҳам мустақиллигини сақлади. Мусулмонқул ва қипчоқлар ҳокимиятидан норози бўлган хонликнинг кўп табақа ва халқлари тошкентликлар билан тил бириктириб, мингбошига қарши чиқишди. Мусулмонқул Тошкентга келиб, шаҳарни қамал қилди. Аммо шаҳарни кўлга кирита олмади ва қайтиб Хўжандга келди. Хўжандни бу ерга ҳужум қилган Бухоро амири кўшинидан ғимоя қилди ва амир Насруллоҳни ўз юртига қайтишга мажбур этди. Мусулмонқул бунда ҳарбий ҳийла сифатида Бухоро кўшини ўртасида миш-миш тарқатиб, уйдирма гаплар билан лим битилган қалбаки хатлар орқали улар юрагига ваҳима солишга эришди. У Жигдалиқ қишлоғида ҳарбий машварат ўтказиб, амир Насруллоҳга махсус мактуб юборди. Унга қипчоқлар томонидан мағлуб бўлиш, оқибатларини тушунтириб, «бир кўчманчи халқ» устидан ғалаба қозонишнинг ўзи шармандалиқ эканини ҳам айтади⁵⁹. Мусулмонқулнинг дипломатик санъати катта тўқнашув олдини олди, амир Насруллоҳ Бухорога қайтди.

Мусулмонқул Бухоро кўшинларини қувиб, Ўратепа мулкини талон-торож эта бошлади. Аммо Ўратепани бу гал ҳам кўлга кирита олмади. Фақат тўртинчи бор юришида, узоқ ва қаттиқ жанглардан сўнг Ўратепа забт этилди. Оқ-ўйликда бўлган Исобек юз қайта Ўратепага ҳоким бўлди. Аммо кўп ўтмай Исобек Ўратепани Қўқон хонлиги тасарруфидан чиқариб, Мусулмонқулга қаршилиқ кўрсата бошлади. Икки марта қўқонликлари кўшини ҳамласидан сўнг Ўратепа таслим бўлди. Манбаларга қараганда, хон ҳар йили беш марта Ўратепага қарши юриш ташкил қилар экан. Ҳатто болалар Қўқонда «Ўратепага юриш» номли ўйинни ўйлаб топишган экан⁶⁰.

1848 йили Ўратепа Қўқонга тобе бўлди ва Исобек ўрнига унинг амакиваччаси Али Шакурбек ҳоким этиб тайинланди. Шу воқеадан сўнг қипчоқлар орасида яна ўзаро низо пайдо бўлади. Мусулмонқул иккинчи марта мансабидан туширилиб, ўрнига Мухаммадиёр қипчоқ вазир бўлади. Қипчоқларнинг ўзаро олишувидан фойдаланган Али Шакур Қўқон тобелигидан чиқмоқчи бўлиб, кўзғолон кўтаради. Худоёрхон Фарғона аҳолисида кўшин йиғиб Ўратепага қарши борди. 1848 йили Ақраб ойида Муғ қалъаси ҳужум билан олинди. Али Шакурбек асир олиниб, Исобек юз томонидан ўлдирилди. Шу урушда асир тушган ўратепаликлардан 900 нафар киши қатл этилиб, бошларидан «калла миноралар» ясалган⁶¹.

Ўратепа ҳокимлиги Ғофурбек ибн Мухаммадраҳимбек Отолиққа берилди. Шу вақтда Мусулмонқул вазирлик мансабини қайта кўлга киритиш учун Қўқонга юриш қилишга киришади. Мухаммадиёр кўшбеги ҳам ўз одамларини йиғиб, унга қарши урушга чиқади. Аммо қипчоқ улуси атрофларидан Каримқули дастурхончи, Қулбобо рисолачи ва бошқалар ўртага тушиб, Мусулмонқулни Андижонга, Раҳмонқули додхоҳни Чустга ҳоким қилиб қайтаришади.

Мухаммадиёр мингбошига қарши уюштирилган суиқасдда халифа Эшон Сафо айбланиб⁶², у 1849 йили қатл этилади. Мусулмонқул яна ўз қабиладошлари ва сафдошлари билан Қўқонга ҳужум қилиб, Ўрдани босиб олади. Мухаммадиёр Ёрмозордан Мулла Холбек ва Чустдан Раҳмонча

⁵⁸ Тарихи жаҳоннамой, I. 200^a-201^b.

⁵⁹ Ансаб ус-салотин ва таворих ал-хавакин, 66^a вар; Тарихи жаҳоннамой, I. 201^b.

⁶⁰ Тарихи Фарғона, 78^{a,b}.

⁶¹ Тарихи жаҳоннамой, I.205^b.

⁶² Умуман олганда хонликдаги тасаввуф тариқатлари ва уларнинг пешволари фаолиятини ўрганиш фалсафа, ислом тарихи ҳамда тарих фани учун ўта долзарбдир.

додхоҳни ёрдамга чақиради. Аммо Мусулмонкул учинчи марта мингбошилиқ мансабига ўтириб, уларни вазифаларидан четлаштиради. Кейинроқ Муҳаммаддиёр, мулла Холбек, Раҳмонча додхоҳ, Жумабойлар Дуоб деган мавзегга сургун қилинади. 1844 йили кузида эса Мусулмонкул Қўқонда Нормуҳаммад қўшбегининг тўйида юқорида тилга олинган қабила пешволарини тутиб ўлдиради. Мулла Чўлибек ва Эшбийлар эса Туркистонга сургун қилинади. Энди қипчоқларнинг кўп бошлиқлари Мусулмонкулнинг вазирлигидан норози бўлиб, уни мансабдан туширмоқчи бўлишади. Мусулмонкул ҳам ўзига қаршилиқ кўрсатган қабила улуғлари пайини қирқошга тушади Унинг шундай сиёсатидан хавфсираган мулло Каримкул дастурхончи Чодак орқали Тошкентга келади. Унинг ортидан юборилган Қулбобо рисолачи ҳам қайта пойтахтга бормай, Нормуҳаммад ҳузуридан паноҳ топади. Мусулмонкул Нормуҳаммад қўшбегини ҳам фитначи ва исёнчи сифатида айблаб, Тошкентга қарши юриш қилади. Аммо тошкентликлар унинг зарбасига дош бериб, орқага чекинишга мажбур этишади. Орадан бир неча ой ўтказиб, яна катта лашкар йиққан Мусулмонкул Тошкентга бостириб келади. Шаҳар атрофини талон-торож қилади. Шаҳрихон ҳокими Холмуҳаммад додхоҳ қипчоқ Чимкентга юборилган бўлса ҳам, қайтиб тошкентликларга кўшилади. Бундан олдинроқ тошкентликлар ташаббуси билан Худоёрхон ҳам ўзбошимча мингбошига қарши чиқмоқчи бўлганди. Шу жиҳатдан Тошкентдан хон олдига яширин равишда мулло Каримкул ва Қулбобо рисолачи юборилган эди. Учинчи юришда Мусулмонкул билан Тошкент устига Худоёрхон ҳам келганди. Мусулмонкул қўшинига қарашли айрим бошлиқлар ҳам Нормуҳаммад қўшбегига хабар бериб, хон билан биргаликда уларга кўшилишини билдирадилар. Шаҳар яқинида содир бўлган жангда Наманган ҳокими ҳам тошкентликларга кўшилади. Эртаси куни бўлган жангда Мусулмонкул мағлуб бўлади. Унинг лашкарбошилари Худоёрхонни олиб, Тошкентга кирадилар. Мусулмонкул Чодак тоғлари орқали қочиб, Учқўрғоннинг Кетмонтепа қишлоғига боради.

Тошкент лашкарбоши ва улуғлари Муҳаммадниёз қўшбеги, Муҳаммадқосим парвоначи – мингбоши, Муҳаммадражаб кўрбоши, Мадёқуб қўшбеги, Муҳаммадусуф мирзабоши қипчоқлар (аслида Мусулмонкул тарафдорлари)ни йўқ қилиш мақсадида Нормуҳаммад қўшбеги-мингбошининг розилигини оладилар. Олий хон ҳукуматини Худоёрхонга беришни маслаҳат қилиб, қўшин йиғишади ва Қўқонга келишади. Чорбоғи тўра номли боққа тушиб, Худоёрхон билан ҳам тил бириктириб, Қўқон оқсоқолларининг розилигини олишади. Қўқон шаҳри ва унинг атрофларидаги жойларда қипчоқлар қирғини – қатли оми бошланади. Қипчоқлардан Ўтаббий ва Нормуҳаммад қўшбегилар тирик қоладилар. Биринчисини хон, иккинчисини Тошкент катталари ўз ҳимояси остига оладилар. Энди Худоёрхон ҳокимиятни амалда (1852 й.) мустақил бошқарадиган бўлади. Ўтаббий қўшбеги мингбошилиқ лавозимига кўтарилади⁶³.

Худоёрхон қолган қўшини билан Тошкентга киради ва шу билан унинг мустақил хонлик даври бошланади. Шу орада хон йўқлигидан Абдуллобек ибн Пошшоҳўжа фойдаланиб, Қўқонда ҳукуматни қўлга олади. Аммо Тошкентдан Мирзод қўшбеги ва мулло Каримкули дастурхончи етиб бориб, Абдуллобекни ўлдирадилар. Мирзод қўшбеги эса ўзини хон деб эълон қилади. Унга қарши Худоёрхон Тошкент лашкари билан етиб келади ва Мирзод қўшбегини қатл этади. Қирғиз-қипчоқ қўшини ҳам Билқалама деган мавзегга йиғилишади. Муаррих Авазмуҳаммад Хўқандий маълумотиға қараганда, Худоёрхон Тошкент, Наманган, Андижон ва Марғилонга одам юбориб қипчоқлар қирғини ҳақида фармон берган⁶⁴. У Тошкентга махсус қўшин юбориб, Муҳаммадниёз понсад, Қосим понсад, Ниёзали понсадлар билан тил бириктириб, битим тузади. Улар ўз ҳокимлари Нормуҳаммад қўшбеги олдига келиб, Қўқонга бориб Худоёрхонни табриклар келишни маслаҳат беришади. Тошкент волийси икки понсад қўшин билан Қўқонга олиб келинади. Ҳижрий 1269 йил зу-л-ҳижжа ойининг 28 куни, милодий 1852 йил 14 ноябрда тошкентликлар Қўқонга кириб келадилар. Қипчоқларнинг бошлиқлари Ўтаббий ва Нормуҳаммаддан ташқари бошқа тошкентлик бойлар ва бошлиқлар кириб ташланади. Қипчоқлар жамоаси бу қатли омдан хавфсираб, Билқалама мавзегга қочиб боришади. Улар мактубини олган Мусулмонкул ҳам Иккисувга келади ва олти минглик қипчоқ-қирғиз қўшинига бош бўлади. Хонликнинг аксарият шаҳар ва қишлоқларида яшаётган бегуноҳ қипчоқлар асирликка олинади, кўплари бола-чақалари билан қочиб кетишади. Худоёрхон йиғма қўшин билан қипчоқларга қарши бориб, биринчи жангдаёқ мағлуб бўлади ва ўзи қамалда қолади. Қипчоқлар қўшинининг бир қисми Қўқонга келиб, шаҳарга бостириб кирмоқчи бўлади. Шунда шаҳар қозиси Муҳаммадназар иноқ додхоҳ ва Хоникули саркорлар шаҳар мудофаасини ташкил қилдилар. Худоёрхон қўшинида бўлган Сўфибек, Султон Муродбек ҳамда лашкарбоши Хўжа Мўмин, Муҳаммадназар, Сайфуддинлар қочиб кетишади. «Зафарномаи Худоёрхоний» муаллифи бунинг

⁶³ Мактубчайи хон, 134^а-135^б вар; Тарихи муҳожирон, 421^а.

⁶⁴ Тарихи жаҳоннамой, I. 213^б.

сабабини шундай мазмунда изоҳлайди: хон Мусулмонкулдан озод бўлиб, тахтга ўтиргач, юқорида зикр қилинган кишиларга мансаб ва вазифаларни бериб, баъзиларини алоҳида мулкларга ҳоким этиб тайинлайди. Улар ҳар бири «ўз мулк»ларига қочиб кетмоқчи бўлишади. Худоёрхон укаси Маллабек берган ёрдам натижасидагина шармандали мағлубият ва асирликдан қутулиб, қипчоқлардан устун келишга эришади. Қипчоқлар Наманган ва Тўрақўрғонга хужум қилмоқчи бўлсалар ҳам мағлуб бўлиб орқага қайтадилар. Иккинчи жангда ҳам хон ғалаба қозонади ва қипчоқлар ўзаро маслаҳатлашиб Мусулмонкулни тутиб хонга беришади. Худоёрхон уни Йўлчибек додхоҳ ҳимоясида Қўқонга юборади ва қатл эттиради.

Худоёрхон энг кучли бўлган қипчоқлар ижтимоий илдизига қаттиқ зарба берди, уларнинг мол-мулкларини мусодара қилиб, ўтроқ аҳоли ишончини қозониш учун бу мулк ярим баҳосида сотилди. Қўқон хонлигида бирмунча осойишталик таъминланди. Аммо ўн йил давом этган ихтилоф ва урушлар ўтроқ аҳолига катта зарар етказди. Шаҳар ашрофлари ва мулкдорлар сиёсий ҳокимият ва давлат бошқарувидан четлатилган эди.

Худоёрхон Мусулмонкул таъсиридан ва қипчоқлар низоларидан қутулса ҳам кўнгилдагидек мустақил хон сифатида ҳукм сура олмади. Маҳаллий ҳокимлардан Абдулғафурбек юз Ўратепада ва укаси Маллабек Тошкентда унга қарши чиқа бошлашди. 1853 йили рус кўшинлари ҳам Оқмасжид орқали Қўқон хонлиги ерларига бостириб киришни давом эттирди. Худоёрхон уч томонлама бўлаётган тазйиқлар остида қолди. У лашкар йиғиб, Ўратепага бориш мақсадида Маҳрамга келади. Шу мавзеда Маллабек томонидан Кўр Қўлдош юз элчи бўлиб келди. Аммо Худоёрхон элчини ўлдириб, Хўжанддан Тошкент томон йўл олади. Хон Кировучидан Маллабек номига дабир Мавлоно Муҳаммадражаб муншийга буюриб, хат ёзиб юборади ва уни қаршиликдан тўхтатмоқчи бўлади. Аммо Маллабек Қўқон улуғлари, ҳарбий бошлиқлар ва акаси Худоёрхонга итоат этмайди. Худоёрхон Тошкент уруши давомида Ўратепага қарши Қосим мингбошини юборган эди. Аммо Тошкент камалидан олдин хон Қосим мингбошини қайта чақириб олади ва биргаликда Маллабекка қарши юриш қиладилар. Маллабек урушларда мағлуб бўлиб, 1853 йили баъзи лашкарбошилари билан Бухорога қочиб кетади. Худоёрхон Шодмонхўжа парвоначини Тошкент вилоятига волий этиб, Қўқонга қайтади.

Ана шу уруш ва низолардан Россия ҳукумати олдиндан режалаштирилган Туркистонни босиб олиш мақсадларини амалга ошириш учун ҳаракат қила бошлади.

1853 йили Оқмасжид/Оқмасжид граф Перовский томонидан босиб олинади⁶⁵. Қалъа ҳокими Тўракул (Абду Вали) ва қалъа ҳимоячилари ҳалок бўлишади. Манбаларнинг хабар беришича, камал давомида 30 нафар кўқонлик, хужум вақтида эса 212 киши ҳалок бўлган, шулардан 4 нафар аёл, 2 нафар бола 217 нафар яраланганлар билан бирга руслар томонидан асир олинган⁶⁶.

Бу вақтда Худоёрхон Ём ва Зомин қалъаларини ўз тасарруфига киргизиб, Қўқонга қайтади. У тез орада лашкар йиғиб, бир неча понсод кўшинни Карим шайх понсадбоши ибн Аби Убайд бошчилигида Тошкентга юборди ва Шодмонхўжа лашкарбошчилигида Оқмасжидга боришларини буюради. Шодмонхўжа 1853 йили ёзда Тошкент ва Қурама лашкари ҳамда Қўқон кўшини билан русларга қарши чиқиш мақсадида Туркистонга келади. Кейинроқ Оқмасжид яқинидаги урушда мағлуб бўлиб, яна Туркистонга, у ердан эса Тошкентга қайтади. Худоёрхон Қўқон лашкарбошиларини кўрқоқлик қилиб, жанг майдонини ташлаб қочганликда айблайди. Қўқонга қайтган Шодмон хўжа, Саримсоқ додхоҳ ва Муҳаммадкарим шайхларга Ўрда майдонида аёллар кийимини кийдириб қўйишади. Улар шу зайл таҳқир қилиниб, сўнг қайтадан ўз кўшинлари ичига юборилади.

Тошкент ҳокимлиги Сўфибек ибн Давронбек додхоҳ Кўҳистонга топширилади. Ҳижрий 1269 йили/1852-53 йили Исобек ибн Баҳодирбек юз суфийлар муршидларидан бири Эшон халифа Олтмиш туҳматига учраб, Ўрда дарвозаси олдида қатл этилади.

Шундай қилиб, Оқмасжид мағлубияти билан Қўқон-Россия муносабатларининг янги босқичи бошланади. Қўқон хонлигига қарашли ҳокимликларнинг кейинги босқинигача анча йиллар ўтган бўлса ҳам, Россия Қрим урушларидан сўнг Туркистон босқинини жадаллик билан олиб борган.

Қўқон хонлигининг XIX аср биринчи ярмидаги сиёсий вазияти таҳлилини амалга оширган тадқиқотчиларнинг фикрлари қуйидаги хулосаларни ўз ичига олади: Хон ва унинг оила аъзолари, ҳокимлар, моддий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатлардан кучайиб кетган зодагонларнинг тожу - тахт учун ўзаро курашлари XIX асрнинг 40-йилларидан бошланган. Ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги низолар хонликдаги иқтисодий ва хўжалик ҳаётга салбий таъсир кўрсатди. Қўқон хонлиги минтақада

⁶⁵ Макшеев А. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. – Спб, 1890. – С. 182-204.

⁶⁶ Қаранг: Авазмухаммад Аттор Хўқандий. Тарихи жаҳонамой // Шарқ юлдузи. №8. – Б. 56.

ҳарбий кудратга эга бўлган мамлакат бўлса ҳам, Россия империяси олдида жуда заиф эди. Россия ўз жосуслари ва турли манбалари орқали хонликнинг ички ва ташқи аҳволидан хабардор бўлган. Ҳатто, тахминимизга кўра, Мусулмонқулнинг ўлиmidан сўнг, қирғиз қипчоқларининг ўтроқ аҳоли билан бўлган қарама-қаршиликларидан унумли фойдаланган Россия давлати Оқмасжидга хужум қилиб, тез фурсат ичида хонликнинг ғарбий ҳудудларини босиб олишга киришди.

Оқмасжид урушида мағлуб бўлган Қўқон амирлашкарлари хон саройи олдидаги майдонда халқ оммаси ҳузурида жазоланганда, хон ва унинг яқинлари қандай душманга дуч келганларини ҳали тасаввур ҳам қила олмас эдилар.

1853 йил охирларида Худоёрхон Қосим мингбошини ўрисларга қарши Оқмасжидга юборади ва унга яна Қурама, Тошкент, Туркистон қўшинларини ҳам беради. Қосим мингбоши Фарғонадан 17 тўп ва бир неча юз пилта милтиқли лашкари билан Тошкентга келади. Бу ерда Қурама ва Тошкент ҳокимлари Қосим мингбоши билан маслаҳат қилади ва юришни баҳорга қолдириб, яхшироқ тайёргарлик кўрмоқчи бўлади. Аммо хон тезроқ Оқмасжидга юриш қилишни буюради. Ҳут ойида Қўқон лашкари фақатгина 17 та тўп ва замонавий қуроллар билан қуролланган чор қўшинига қарши чиқади. Авазмуҳаммад Аттор Хўқандий ўз асарида Мирзахожи Кўлобий тилидан қуйидаги воқеани келтирган:

«Оқмасжидга яқинлашиб қолганда Мирзо хожи ҳам бор кийими ва қуролларини олиб Қосим мингбоши ҳузурига келади. Саломдан кейин Мирзо ўрислар қўшини томонга қўл силкиб, бақириб, уларни узоқ жойдан кўрқитмоқчи бўлгандай: – Эй кофирлар, тезроқ йўқ бўлинглар! Бўлмаса, ҳолларингиз ёмон бўлади! Мингбоши буни эшитиб, ундан бу қилмишини сўраса: – Бундай аҳвол билан узоққа боролмаймиз: қор қалин, иссиқ кийимлар ва қуролларимиз йўқ. Музлаб кетаяпмиз. Шу ердангина уларга ана шундай дўқ-пўписа қилишимиз қоляпти, холос, – дебди Мирзо⁶⁷».

Қўқон хонлигининг чоризм билан муносабати оғирлашиб кетди. «Бунинг энг асосий сабаби чор ҳукуматининг Ўрта Осиё давлатларига нисбатан босқинчилик сиёсати эди. Натижада, Сирдарё пастликларида оғир вазият юзага келди. 1853 йили рус қўшинлари Қўқон истехкоми бўлган Оқмасжидни босиб олди. Шу даврда Қўқон хонлиги шу қалъа, кейинчалик Туркистон, Алма ота, Янгиқўрғон ва бошқа истехкомлар учун руслар билан жанг олиб борди»⁶⁸.

Мусулмонқул мингбошилик ва вазирлик қилган даврда хонзода ва тўраларни Худоёрхон атрофига ҳатто яқинлашишга ҳам қўймай, ҳар томонга сургун қилиб, бевосита тахтга даъвогарларини ўлдиртирган эди. Тахтга даъвогарлик қилувчилар орасида Рустамхон тўра – Маҳдуми Аъзам авлодларидан ҳам бўлиб, унинг онаси Чучукойим бинта Норбўтахон ибн Абдурахмонбий ибн Абдулкаримбий эди⁶⁹. У Худоёрхонни йўқ қилиш учун бошқа гуруҳлар бошлиқлари билан тил бириктиради. Улар Андижон ҳокими Сўфибек ўғлининг суннат тўйида Худоёрхонга суиқасд уюштирмоқчи бўлишади. Худоёрхоннинг пойтахтда йўқлигидан фойдаланган Рустамхон тўра, Қосим мингбоши, Қамбарбек, Сўфибек тожик, Мирзо Қаландар Хўжандий, Мирзо Мунаввар, мулла Муҳаммадсафо, Муҳаммадкарим кўса, Бекмуҳаммад мирохур ва бошқалар кўзғолон кўтаради. Авазмуҳаммад Аттор ўз асарида Мирзо Мунавварга «ишнинг асосий ташкилотчиларидан» деб баҳо беради⁷⁰.

Худоёрхон Андижонда туриб Муҳаммадниёз мингбошини Қўқонга юборади. Исён бостирилиб, сўнг бошлиқларнинг баъзилари сургун қилинади, баъзилари ўлдирилади. Рустамбек тўра аввал Қоратегин, сўнг Кўлобга сургун қилинади. Тўра кейинчалик Кўлобдан Ҳисорга, у ердан Бухорога бориб, амир хизматида уч йил қолади ва 1858 йили Маллахон замонида Қўқонга қайтади⁷¹.

Худоёрхоннинг биринчи хонлик даври Шарқий Туркистондаги вазият ҳамда Қўқон ички ва ташқи вазиятига таъсир этарди.

Шундай қилиб, Қўқон хонлигининг оғир аҳволи, ҳокимларнинг ўзаро урушлари, Россиянинг босқинчилик сиёсати натижасида хонликнинг Шарқий Туркистонда фаол ҳаракат қилиши олдини оларди. Бир вақтлар кучли бўлган бу давлат Шарқий Туркистон халқларининг ҳурриятга бўлган умид-орзуларини оқламади, уларни хитойликларга қарши курашларида керак бўлган ёрдамни бераолмади.

Худоёрхон замонида ашрафлар ва қабила задагонлари янги мансаб ва вазифаларга кўтарилди. 1852 йили Нормуҳаммад кўшбеги ўрнига Мирзо Аҳмад Тошкент ва Дашти Қипчоқ вилоятига ҳоким

⁶⁷ Тарихи жаҳоннамой, II. 227^б.

⁶⁸ Қар.: Плоских В. М. Кўрсатилган асар, 45,19 б; Яна қаранг.: Романовский Д. И. Заметки по среднеазиатскому вопросу. С приложениями и картою Туркестанского генерал-Губернаторства. – Спб, 1866. – С.24.

⁶⁹ Тарихи жаҳоннамой, 239^а.

⁷⁰ Ўша жойда.

⁷¹ Ўша жойда, 240^а.

бўлади. Лекин у саҳро аҳолисига ҳам зулм ва ситам қилади. Айниқса қозоқларга ақл чегарасига сиғмас даражада жабр қилади. У қуш пули ва кўкпули (солиқларини) талаб қилади, буларни тўлай олмаган қозоқларни ўз болаларини сотишларигача етказди. Натижада уруғ ва жамоалар маслаҳатлашиб, ортиқча солиқларни бермасликка қарор қилишади⁷².

Ҳижрий 1273 (милодий 1857) йилда Жанубий Қозоғистон ерларида кўзғолон кўтарилади. Қозоқлар исёнини бостириб, жазо бермоқчи бўлган Мирзо Аҳмад қўшини Авлиё ота қалъасида камал қилинади. Чимкентга юборилган Мирзо Аҳмаднинг жияни Мирзобий сергили, кўнғирот ва бошқа қабилалар гуруҳлари томонидан тутиб ўлдирилади. Бу воқеаларнинг тафсилоти Абу Убайдуллоҳнинг «Хулосат ал-аҳвол» асарида келтирилган (160^а-167^б вар.]. Ниҳоят қозоқлар кўзғолони Худоёрхон юборган Маллабек ва Шодмонхўжа парвоначи бошчилигидаги қўшин томонидан бостирилади. Тошкентга қайтгунча Мирзо Аҳмад томонидан уюштирилган тўхмат билан Шодмонхўжа мингбошилиқдан олиниб, Ёрмозорга сургун қилинади. 1857 йили Муҳаммадниёз мингбоши ўлади, унинг ўрнига Мирзо Аҳмад мингбошилиқка кўтарилади⁷³.

Шу орада Рустамбек юз Ўратепада Худоёрхонга қарши исён кўтаради. Худоёрхон юборган қўшин Олма Барози дарёсида бутунлай тор-мор этилади. Бу қўшинга бошчилик қилган Фозилбек қорақалпоқ мингбоши Самарқандга қочади. Аммо Бухоро амири уни дорга осиб, Ўратепага ҳужум қилади. У шаҳарни фатҳ қилиб, Рустамбек юзни ўлдиради ва Хўжандга яқин келади. Фарғона водийсида «амир қайта шаҳарни олади» деган овоза тарқалади.

1857 йили Бухоро амирининг босқинчилик юришига қарши бўлган халқ урушга шайланиб, Хўжанд ва Қўқон атрофларини мудофаа воситалари билан ихота қилади. Ана шу ташқи истилолар шароитида хонлик тахтига кўз олайтириб юрган Маллабек ўз курашларини қайта бошлайди. Ўша замон тарихчиси шундай ёзади: «Худоёрхон даврида кўзғолон ўз ҳаддига етди, Хўқонди латиф салтанати ва амирлигида ошублар ва бузғунчилик пайдо бўлди. Амирлар ва вазаро ҳукуматда умуман ўз ишлари билан машғул бўлмасдилар. Натижада кўтарилган исёнлар оқибатида давлат ишлари инқирозга дуч келди, тинчлик ва роҳат қуши Анқога ўхшаб номаълум томонга учиб кетди. Жаҳолат ва бўйсинмаслик рабъят ва аҳолининг шараф эшикларига ёпишди. Ҳаёт қийинчиликларидан ўлка ва аҳоли ўртасида қаҳру ғазаб олови ёнди. Худоёрхон болалик чоғидан давлат туғини разиллар кўлига бериб, унинг оқибатларини билмасди»⁷⁴.

Амир Насруллоҳ кўлидан Хўжандни қутқариб олиш, акаси ўрнига хон бўлишни мақсад қилиб кўйган Маллахон исён кўтарди. Худоёрхон уни тутиб, ўлдирмоқчи бўлганида Маллабек Гулжага қочиб, қирғизлардан Алимбек додхоҳ олдига келди. Бу ерда қирғиз жамоаларининг раҳбарлари Саййидбек додхоҳ, Пўлат додхоҳ, Чўтан, Мулла Мурод, Қуйчибий ва бошқалардан мадад олиб, Қорасувга, кейин Андижонга келади ва катта қўшинни жамлаб, Риштоннинг жануб томонида жойлашган Хўжа Илғор мавзесида қўш ташлайди. Бу орада амир Насруллоҳ бирдан Хўжанд камалини тўхтатиб, Бухорога қайтади. Худоёрхон Маллахонга зарба бериш учун Қашғар кишлоққа яқин бир жойга кўнади. 1275 йили раби ал-аввал ойининг 16 куни (милодий 1858 йили 25 октябрда) ака-ука ўртасида жанг бўлиб, Худоёрхон тор-мор бўлади. Худоёрхон кам аскар билан Қўқонга қочиб келиб, ўрдада яширинади. Мирзо Аҳмад ўз қўшини билан Бухорога кетади. Маллахон келиб Қўқонни камал қилади. Қўршовнинг 21 кунида Худоёрхон сулҳ тузмоқчи бўлиб, Маллахон олдига эшон шайх ал-ислом Сулаймон хўжани, Эрқабий додхоҳ юз, ва Қаноатшоҳни юборади. Лекин уларнинг кетларидан Андижон ҳокими Сўфибек, Марғилон ҳокими Шоҳ Муродбек, Қосим мингбоши, Шодмонхўжа додхоҳ, Яъқуббек понсадбоши, Юлчибек понсад, Муҳаммадназар парвоначи Тўрақўрғон ва Наманган қўшини билан чиқиб Маллахонга қўшилишади. Буни эшитган Худоёрхон укаси Султон Муродбек билан Хўжандга, кейин Бухорога қочиб кетади.

Раби ас-соний ойининг 6-си, жума куни эрталаб (милодий 1858 йил 13 ноябрь) Маллахон Қўқонга кириб, хонлик тахтига ўтиради⁷⁵. Кўп вақт ўтмай Маллахон ҳам Ўратепа ва Жиззахга юриш қилади. 1859 йил баҳорида амир Насруллоҳ Ўратепа ва Жиззахни эгаллаб, Хўжандга яқинлашиб, Нов қалъасига Қаноатшоҳни ҳоким этиб тайинлайди. Лекин Қаноатшоҳ кейинроқ Қўқон ҳукуматини тан олиб, ўзи пойтахтга келади. Маллахон Қаноатшоҳни амири лашкар этиб, Худоёрхон ва Султон Муродбекка қарши Қоратегинга юборади. У Фарм қалъасини ҳимоя қилиб, Худоёрхонни у ердан кетишга мажбур қилади. Худоёрхон Жиззахга келади. Шунда Маллахон ҳижрий 1276 йили ражаб ойида (1860 йили 24 январидан) Жиззах устига Саримсоқ курама билан Душабой понсадни юборади.

⁷² Ўша жойда, 242^{а,б}.

⁷³ Тарихи жаҳоннамой, 245^б вар; Амирлашкар жангномаси, 65^{а,б} вар; Хулосат ал -аҳвол, 83^а.

⁷⁴ Тарихи жаҳоннамой, 246^{а,б}.

⁷⁵ Ўша жойда. 252^{а,б}.

Мирза Работ мавзеида Худоёрхон билан жанг бўлади. Худоёрхон қўшини мағлуб бўлиб, 76 киши асирликка олинади. Асирлар пойтахтга олиб келиниб, қатл этилади⁷⁶.

Шу йили Хитой давлатига Абдулфаттоҳ Маҳдум элчи қилиб юборилади. Лекин уни Ёрканд ҳокими 27 нафар ҳамроҳи билан бирга ўлдиради. Иккинчи марта юборилган Маҳдум Конибодомий бошчилигидаги элчилар Қошғардан қайтариб юборилади.

Ҳижрий 1276 йили рамазон ойида (1860 йил 23 мартда) Маллахон яна қўшин бошлиқлари: Ўтаббий қўшбеги-кипчоқ, Саййидбек додхоҳ қирғиз (Хўжанд ҳокими), Нов ҳокими мулло Қосим қирғиз, Облиқ ҳокими Муҳаммадамин мирзо, Ирисали понсад ва Душабой понсадларга Ўратепа вилоятини босиб олишни буюради. Қоратепа яқинидаги Айлонлик мавзеида Ўратепа лашкари Бозорбой тўқсабо бошчилигида уларга ҳужум қилиб, қаттиқ зарба беради. Саййидбек додхоҳ ва Ирисали понсадлар асирликка тушадилар, қолганлар Хўжандга қочиб келишади.

Бу воқеани эшитган Маллахон Ўшдан Хўжандга келади. Маллахон ҳукмронлиги даврида русларга қарши бир неча юришлар уюштирилади. Ҳижрий 1277 йили муҳаррам ойида (милодий 1860 йил июль-август) Маллахон Тошкентга келиб, унинг ҳокими Қозоқбой оқсоқолни Қурама ҳокими Нормухаммад қўшбеги билан бирга русларга қарши Тўқмоқ қалъасига юборади. Бу юришда Қўқон қўшини Қаноатшоҳ бошчилигида ва Андижон сипоҳи Олимбек додхоҳ бошчилигида иштирок этади. Лекин руслар билан жанг қилаётган вақтда бошлиқлар ўртасида низо чиқиб, Қўқон сипоҳларидан бошқа қўшин Тошкентга қайтиб келади. Тўқмоқ қалъаси яқинида Қаноатшоҳ ҳам мағлуб бўлади.

Амир Насруллоҳ ўлимидан сўнг (1277 ҳижрий йили раби ал-аввал ойида, милодий 1860 йили) Абдулғафур Нов қалъасидан Ўратепага ҳужум қилиб, уни олишга эришади. Лекин мустақилликка даъво қилган бу ҳоким ҳам Маллахон қаршилигига дуч келади. Амир Музаффар (1860-1885 йил) Маллахонга қарши Иброҳим Хаёл манғитни юборади. Маллахон эса Марғилон ва Ёрмозор ҳокими Алимқули эшикоғаси қирғиз-кипчоқни сафарбар этади. Бу орада Абдулғаффорбек юз Иброҳим Хаёл билан тил бириктириб Бухоро қўшинини шаҳарга киргизади. Лекин Алимқули уларни чиқиб кетишга мажбур қилиб, 560 нафар Бухоро лашкарини асир олди⁷⁷. Амир Музаффар бундан ғазабланади, Иброҳим Хаёлни Шерободга ва Абдулғаффорбекни Чоржўйга сургун этиб, Ўратепага Баротбекни ҳоким қилиб юборади. Буни эшитиб Маллахон шаҳарга қайтиб, 80 кун уни қамал қилганида, халқ тазйиқи остида Баротбек мажбур бўлиб, Қўқон итоатига киради⁷⁸. Бу орада Шаҳрисабз беклари кўзғолон кўтариб, ҳукуматларини қайта тиклаш учун Маллахондан мадад сўрайдилар. Маллахон амир диққатини ўзига тортмоқчи бўлиб, Жиззах ва Самарқанд вилоятига ҳужум қилади. Буни эшитиб амир Музаффар Шаҳрисабз юришини қолдиради, Самарқандга ва у ердан Янгиқўрғонга келади. Маллахон амир олдида Бобоҳўжа шайх ал-исломни элчи қилиб юборади. Музокаралардан сўнг амир Музаффар ва Маллахон ўрталарида сулҳ тузилиб, икки давлат чегараси аниқланади. Қўқоннинг ғарбий чегараси Қозоқ-булоқ мавзесидан ўтадиган бўлади. Маллахон бу шартни Хўжандга келиб қабул қилади ва шартномага муҳрини босади.

Ҳижрий 1277 (милодий 1862) йили Қаноатшоҳ Авлиёота ва Пишпақка юриш қилиб, аҳолидан катта закот олгач, Тошкентга қайтади ва Маллахон буйруғи билан Жўлак атрофида русларга қарши юриш қилади. Лекин у Жўлак яқинидаги жангда мағлуб бўлганидан сўнг Тошкентга қайтади.

Қаноатшоҳ бу мағлубиятдан кейин, Маллахондан уни Тошкент ҳокимлигидан олинишини талаб қилади, лекин Маллахон Қаноатшоҳни Чордарага келган Худоёрхонга қарши жўнатади. Қаноатшоҳ Худоёрхонни таъқиб қилиб, Ём, Зомин ва Ўратепага келади, кейин Қўқонга ўтиб, яна Тошкентга қайтади.

Шу ўртада Ўратепа ҳокими Баротбек исён кўтаради. Аммо Ўратепа халқи унга қарши чиқиб, ўз яқинлари билан Бухоро амирлигига тобе бўлган Мастчоҳга чиқиб кетишга мажбур қилишади. Маллахон Ўратепа мулкини Душабой додхоҳга беради.

Ҳижрий 1278 йили ҳут ойининг 6-куни (1862 йил 24 февраль)да Маллабек суиқасд натижасида ўлдирилади. Манбалар маълумотида қараганда, суиқасд раҳбарлари Алимбий (додхоҳ) парвоначи қирғиз, Хидирбий эшикоғаси, Шодмонхўжа парвоначи, Худойназар додхоҳ турк, Дўст меҳтар юз, Муҳаммадиброҳим мирзабоши Косоний бўлган⁷⁹.

Суиқасдчилар Шоҳмуродхон ибн Абдурахмонбекни тахтга кўтаришади. Унинг даврида хўжалик ва ижтимоий ҳаёт аҳволи кескин равишда оғирлашиб кетади, қимматчилик бошланади. Бир

⁷⁶ Тарихи жаҳоннамой, I. 254^a.

⁷⁷ Ўша жойда. 239^b.

⁷⁸ Ўша жойда. 258^a-262^a.

⁷⁹ Ўша жойда. 269^a.

ботмон буғдой уни 12 танга, гуруч 121 танга, уч нимхўрда маккажўхори 1 танга, думба ёғи ярим тиллога кўтарилади⁸⁰.

Маллахоннинг ўлимини эшитган Қаноатшоҳ Оталиқ Жиззахда кечган воқеалардан аламзада турган Худоёрхонга мактуб йўллаб, унга ёрдам кўрсатишга ваъда беради. Худоёрхон 1862 йили март ойида Тошкентга боради ва Туркистондан келган Қаноатшоҳ ёрдамида қўшин йиғиб, Қўқонга қарши юришга ҳозир бўлади. Тошкент аҳолиси ҳам Худоёрхонга мадад беришга ваъда қилади. Тошкент уламоларидан мулло Солиҳбек Охунд Маллахон қотилларини ўлдиришга фатво берган эди⁸¹.

Шоҳмуродхон ҳам Худоёрхон қаршилигини йўқ қилиш учун Тошкентга келиб, уни қамалга олади. Худоёрхон ёрдам сўраб, амир Музаффар олдиға Мирзо Аҳмад парвоначини юборади. Амир рози бўлиб, Ўратепага хужум қилади. Бу воқеани эшитиб Шоҳмуродхон ва Фарғона амирлари қамалдан воз кечиб, Қўқонга қайтмоқчи бўлади. Ҳижрий 1278 йили 14 зу-л-қаъда ойида (1862 йил 13 май куни) улар Хўжа Ягона мавзеига кўнадилар. Маллахонни ўлдирган қотиллар ичида низо чиқади. Улар икки гуруҳга бўлинадилар. Бир гуруҳ бошлиқлари Шодмонхўжа мингбоши, Олимқули амирлашкар, Пўлат додхоҳ парвоначи, Чўтан додхоҳлар бўлиб, иккинчи гуруҳга Марғилон ҳокими, Хидир парвоначи, Худойназар парвоначи, Идрис қули додхоҳлар бошчилик қиларди. Улар бир-бирларига айб кўйиб, жанжал кўтаришади. Охири биринчи гуруҳ Шоҳмуродхон билан тил бириктириб, Хидир парвоначи, Худойназар парвоначи, Идрис қули додхоҳ ва бошқаларни тутиб ўлдиради⁸². Шоҳмуродхон Қўқонга қайтади, Худоёрхон Тошкентдан чиқиб, Нов қалъасида амир Музаффар билан учрашиб, Хўжандга келишади. Худоёрхон Қўқонга хужум қилмоқчи бўлиб турганида шаҳар аҳолиси шимолий дарвозаларни очиб, Худоёрхонни пойтахтга киргизади. Хон аъёнлари Шоҳмуродхон қўшинидаги кўплаб қипчоқ-қирғизларни ўлдирадилар. Бухоро амири эса Хўжандга Маллахондан қолган ҳамма қурол-аслаҳаларини, яъни 29 тўп, 150 катта қароқундоқ, 900 дона милтиқларни олиб Қароқчиқум ва Маҳрам ўртасида қўш қуради⁸³. Манғитлар 6 кун давомида Маҳрамдан Конибодомгача бўлган мавзелар – Ниёзбек, Хамиржўй, Кучгак, Қораянтоқ қишлоқларини талон-торож қилади. Ҳижрий 1278 йили зу-л-ҳижжанинг 6 куни (милодий 1862 йил 5 май) чоршанбада Худоёрхон Қўқонга кириб келиб, иккинчи марта хонлик тахтига ўтиради.

Шоҳмуродхон амирлари Шодмонхўжа мингбоши, мулла Алимқули қирғиз-қипчоқ, Мингбой додхоҳ, Бек Муҳаммад, Жарқинбой додхоҳ ва бошқалар Тоғлик дарвозаси орқали чиқиб кетган эди⁸⁴. Пойтахтда Худоёрхон амир Музаффарни катта тантана ва дабдаба билан қабул қилмоқчи бўлади. Қаноатшоҳ амир мадади билан хон душманларига, яъни қирғиз-қипчоқ иттифоқига зарба бериб, уларни бутунлай тор-мор этишни таклиф қилади. Лекин амирлар Мирзо Аҳмад қўшбеги, Рустамбек додхоҳ ва хоннинг укаси Султон Муродбек унга қарши чиқиб, амирни Хўжанддан қайтаришни талаб қиладилар. Уларнинг даъвоси куйидагича эди: «бу Музаффар Қўқонни босиб олган ўша Насруллохнинг ўғлидир ва унинг ваъдаларига ишониб бўлмайдимиз»⁸⁵. Хон ҳам бу фикрга кўниб, Қаноатшоҳ Отолиқни элчи қилиб, Хўжандга амир Музаффар олдиға юборади. Амир бу таклифга эътироз билдирмайди ва шу ердан Бухорога қайтишга рози эканини айтиб, олдиға элчи бўлиб келган Қаноатшоҳни ҳам ўзи билан бирга Бухорога олиб кетади ва кўп ўтмай уни ўлдиртириб юборади.

Худоёрхон Султон Муродбекни Марғилонга, Дўстумбойни Андижонга, Дўст-Муҳаммад эшикоғаси қорақалпоқни Балиқчига ҳоким этиб, қирғиз-қипчоқ жамоасига қарши Андижонга мулло Султон ва Худойназарни лашкар билан юборади. Исён кўтарганлар билан музокара эса натижасиз яқунланади. [Улар ҳузурига Сулаймонхўжа аълам юборилган эди]. Қирғиз-қипчоқ қўшини Андижондан Марғилонга, кейин Асакага келиб қолган уруғ ва қабилалардан ёрдам сўрайди. Худоёрхон янги қўшин йиғиб, Яккатутга келади. Қўқон аҳолиси ҳам дасталар тузиб, Фозил Аҳадшайх (ҳазрати Соҳибзода), Сулаймон хўжа, Худойназар амин-муҳтасиб раҳбарлигида Яккатутга келдилар. Заркент анҳори олдида уларга Шодмонхўжа хужум қилиб, Қўқон дасталарини тор-мор этади. Шу орада қирғиз-қипчоқ жамоалари Шоҳрух исмли бир кишини ўзларига хон кўтаргандилар. Бу қабил аиттифоқи Марғилонни қамал билан қўлга кирита олмагач, Қўқонга хужум қилиб, шаҳарни уни муҳосира қилади. Бу қамал Ҳижрий 1279 йили раби ал-аввал ойининг 12-куни (1862 йил 6 сентябрда) бошланади. Улар шаҳарга элчилар юбордилар ва Худоёрхоннинг мағлуб бўлгани ҳақидаги хабарни етказдилар ва шаҳарга киритишларини талаб қиладилар. Шаҳар аҳолиси Марғилонга одам юбориб, бу хабар иғво эканлигини билгач, мудофаага ўтади. Чорчаман деган

⁸⁰ Ўша жойда. 269^б.

⁸¹ Ўша жойда. 273^а.

⁸² Алиқули амирлашкар жангномаси. – Б. 78-83; Тарихи жаҳоннамой, 273^{а,б}.

⁸³ Тухфат ут-таворихи хоний, 350^а.

⁸⁴ Ўша жойда. 351^{а,б}.

⁸⁵ Тарихи жаҳоннамой, I. 274^б.

мавзеда шаҳар мудофаачилари қирғиз-қипчоқлар билан жанг қилиб, уларни қайта Асакага кетишга мажбур қилади.

Худоёрхон ҳам келиб тахтга ўтиради, лекин қирғиз-қипчоқлар яна куч йиғиб, Косон, Чуст атрофида қўзғолон кўтаради ва Тўрақўрғонга хужум қилишади. Улар ҳатто Тошкент атрофидаги элатлар улуғларига хатлар ёзиб, хон кўтарган Шоҳрух билан маслаҳат қилиб, мадад беришларини сўрашади. Шунда Тошкент атрофидаги қозоқлар қўзғолон кўтариб, Тошкентни қамал қилишади. Бу қўзғолонни бостириш учун хон укаси Султон Муродбек ва Дўстмуҳаммад додхоҳни сафарбар қилади. Кўчманчилар қўшини Камолон дарвозасидан (Йўлдошбек деган киши ёрдами билан) шаҳарга киради. Лекин Сағбон, Кўкча, Себзор, Шайхонтохур маҳаллалари аҳолиси Дўстмуҳаммадга ёрдам бериб, Жанггоҳ мавзесида кўчманчиларни тор-мор этади. Кейинчалик улар яна Исмоил ота мавзесида ҳам жангда мағлуб бўлиб, қўшинлари тарқатиб юборилади. Дўстмуҳаммад бу иши учун парвоначи унвонини олади. Ниёзали ва Шерали додхоҳ Тошкент волийси ноиби бўлади.

Шу орада қирғиз-қипчоқ бошлиқлари Шоҳруҳхон ўрнига «насаби тоза, хонзода бўлган» бошқа бировни тахтга кўтариш ниятида номзод қидира бошлашади. Шодмонхўжа ва Алиқули Маллахоннинг куёви Саййид Маҳмудхон тўрага одам юбориб, ундан Маллахоннинг ўғли Султон Саййидхонни ўз қўшинларига хон қилиб кўтариш учун юборишни сўрайди. Султон Муҳаммад Саййидхон ибн Маллахон Шоҳруҳ ўрнига хон қилиб кўтарилади. Сохта хон Шоҳруҳ эса ўлдирилади.

Султон Саййидхон Шодмон хўжа, Саййид Маҳмуд тўра, Али(м)кули билан бирга Марғилон томонидан келиб, Андижонни қамалда қолдиради ва кейин босиб олади. Улар Андижон улуғлари ва бойларини гаровга олиб, эвазига пул ва мол йиғишади. Андижон атрофидаги Балиқчи, Қува, Асака, Шаҳрихон, Ўш, Пойтуғ мавзелари талон-торож этилади. 1279 йил шаъбон ойининг 21-куни (1863 йил 11 феврал) Марғилон қамали бошланади. Апрель ойида Марғилон ҳокими Мирзо Аҳмад хиёнати натижасида шаҳар қирғиз-қипчоқлар қўлига ўтади. 1863 йилнинг 26 апрелида бу жамоалар қўшини Мингтутга келиб, Қўқон қамалини бошлайдилар. Бухоро амири Худоёрхонга ёрдам бермоқчи бўлиб, Ўратепа ҳокими Оллоёрбек ва Жиззах ҳокими Ёқуббекни қўшинлари билан юборади. Орада бўлган қаттиқ урушда икки томон ҳам кўп талафот кўради. Ниҳоят, қирғиз-қипчоқлар қўшини чекиниб, Оқтепа мавзеига кетади. Сўнг улар Ёрмозорда мудофаага ўтишади. Орада Бухоро амири ҳам Фарғонага келади. Бухоро ва Қўқон қўшинлари бирлашиб Олтиариқ қишлоғига келганда, қирғиз-қипчоқ лашкари Асака томонга кетиб, Қароғулча дарасида ҳимояга ўтади. Амир ва Худоёрхон юборган элчилар мақсадларига эриша олмай, қайтиб келади. Қабилалар иттифоқи бирлашган қўшинлардан Марғилонга чекинишини талаб қилишади. Худоёрхон ва амир Музаффар лашкарлари билан Марғилонга келишади. Лекин Мирзо Аҳмад ва Ёқуббек эшикоғаси қўзғолончилар томонига ўтиб, Қорағулчага боришади. Бу эса иккала ҳоким учун ҳам оғир ҳодиса бўлади. Амир ва хон қўзғолончилар олдига қайта элчи юборганида, улар амирдан Худоёрхоннинг Хўжандга кетиши ва Дўстмуҳаммад билан Ниёзалини ўз вазифаларидан олиб, Султон Муродбекни эса Тошкентга юбориш шартларини қўйишади. Бу маслаҳат Мирзо Аҳмад қўшбегида чикқан эди. Худоёрхон амир талаби билан бу шартларни қабул қилади. Исёнчилар иккала лашкарни бир-биридан ажратиб, аввал Ўзган, кейин Асака, сўнг Марғилон томонга йўл олишади. Амир Музаффар бу жамоа хийласидан хабарсиз улар ҳузурига элчи юбориб, Марғилонга сулҳ тузиш учун қабила улуғларини юборишини сўрайди. Элчи Асакада қўзғолончилар раҳбарлари билан учрашади ва қуйидаги жавобни олади: «Ҳозирча биз Бухорои Шариф ҳукмдори жаноби амирни ҳурмат қилиб келдик ва муносиб ҳоким деб билиб, унинг ёрдамида Фарғона мулкида тинчликни ўрнатмоқчи бўлдик. Энди эса билдикки, жанобнинг мақсадлари ўлка тинчлиги ва тотувлиги бўлмай, битим имзолаш баҳонасида бизни ўлдириб, Фарғона диёрини босиб олиш экан. Вақтида оталари амир Насруллоҳ ҳам шундай қилган эди. Биз ўз зарарини фойдасидан ажратиб ола олмайдиган нодонлардан эмасмиз. Бухоро амири ҳурмати учун биз уч кун муҳлат бериб, Бухоро лашкарининг кетишини кутамиз. Агарда шу мактубни олиб, Бухорога кетмасангиз, тўртинчи куни Марғилон ёнида урушга тайёр бўлинг. Албатта, зафар ва ғолибият сирлари парда остида бўлиб, Тангрининг иноятига боғлиқ, лекин жангдан олдин Аллоҳ бир томонга зафар ва нусратини берган. Агарда биз мағлуб бўлсак, ор қилмаймиз, чунки хонимиз ҳали гўдак ва бизлар бир кўчманчи жамоамиз. Лекин Аллоҳ инояти ва марҳамати билан амир мағлуб бўлиб, тор-мор этилса, Бухоро давлатининг шаъни ва шарафи қолмай, дўст-у душман олдида шарманда бўлади. Бу шармандалиқнинг оқибати қиёматгача Бухоро амирлари елкаларига юкланади. Жангимиз Фарғонанинг ўртасида ўтади ва агарда Бухоро қўшини мағлуб бўлса, бухороликлардан бирор киши тирик қолмайди»⁸⁶.

⁸⁶ Ўша жойда. 298^a.

Амир бундай дағдағадан хавфсираб, Бухорога қайтмоқчи бўлади, лекин Қўқонга келиб, ундаги ҳамма моҳир усталар, ҳунарманд-косиблар ҳамда асли бухоролик бўлган усталарни ҳам оилалари билан бирга кўчириб, Бухорога олиб кетади. Қўқон хазинаси, қурол-аслаҳалар, пойтахтнинг энг гўзал хотин-қизлари, ёш болаларни зўрлик билан олдиға солиб чиққан амир 1863 йилнинг сафар ойи (июль-август)да дастлаб Ёрмасжидға, кейин Бешарикқа келади⁸⁷. Бу ердан у ўз узангиси ёнида олиб юрган Шохмуродхонни қирғиз-қипчоқлар олдиға юборади. Бу жамоа бошлиқлари Қўқонни олганларидан сўнг Шохмуродхонни, Хўжа Саййидбийнинг ўғли билан Маҳдуми Аъзамни тахтға даъво қилмасликлари учун Қорасувға юбориб, Ҳазрати Юнус ва Ҳазрати Аюб мазорларида қатл этишади⁸⁸.

Султон Муҳаммад Саййидхон ибн Маллахон ҳижрий 1280 йили сафар ойининг 7-сида (1863 йили 24 июль) Қўқон тахтиға кўтарилади. Алиқули Фарғона амирлашқари бўлиб олиб, барча қудратни ўз қўлида мужассам қилади. Шодмонхўжа Тошкент ва Туркистон вилоятиға волий қилиб тайинланади. Мингбой Алиқулиға ноиб сифатида тайин қилинади ва Хўжандни босиб олиш учун юборилади. Хўжанд мудофаасида Бухоро амири дастаси ва ўратепалиқлар дастаси ҳам қатнашади. Лекин манғитлар ва Дўстмуҳаммад ҳукуматиға қарши шаҳар аҳолиси бош кўтариб, шаҳар дарвозаларини Мингбой сипоҳиға очиб беради. Дўстмуҳаммад таслим бўлиб, кейин Бухорога қочиб кетади. Хўжандға Мирзо Аҳмад ҳоким бўлади.

Султон Саййидхон Алиқули маслаҳати билан Тошкент вилоятиға бориб, Шодмон хўжани 1280 ҳижрий йили раби ал-аввал ойининг охири куни, пайшанба кечаси (1863 йил сентябр ўртасида) қатл этиб, ҳамма мол-мулкни мусодара қилади, Нормуҳаммадни Тошкент ва Туркистонға волий қилиб тайинлайди.

Султон Муҳаммад Саййидхон даврида мулло Алиқули ташаббуси билан русларға қарши бир неча юришлар уюштирилади. Лекин Россия империяси қўшини кетма-кет Қўқон истехкомларини босиб олиб, 1864 йил кузида Тошкентға яқинлашади. Ниҳоят, 1865 йил май-июль ойларида Тошкент босиб олинди.

Тошкент ҳимоясида қаҳрамонлик кўрсатган Алиқули ҳалок бўлади⁸⁹.

Султон Муҳаммад Саййидхон Бухоро амири талаби билан Бухороға юборилади. Тошкент тасарруфидан сўнг қирғиз-қипчоқлар Қўқонға қайтиб, Шодибий авлодларидан бўлган Худойқули ибн Мақсудбек исмли кишини хон кўтаради⁹⁰. Бекмуҳаммад қипчоқ мингбоши бўлиб, Мирзо Аҳмад даврида дастурхончилик вазифасиға кўтарилади. Қирғиз-қипчоқлар 14 кун давомида пойтахтда қолиб, русларға қарши ғазот баҳонаси билан аҳолиға 100 минг тилло солиқ соладилар. Шаҳарликлар билан бу кўчманчи жамоа ўртасидаги қарама-қаршилиқ оғирлаша бошлади. Шунда қипчоқлар 1865 йили 11 июлда шаҳар аҳолиси ғазабидан хавфсираб, Қўқондан чиқиб кетишади. Аҳоли Ўрдани талон-торож қилади. Бухоро амири ҳам Худоёрхонға ёрдам бериш баҳонасида хон билан бирга Хўжандға келади ва ҳижрий 1282 йил 20 сафар ойи (1865 йил 15 июль) амир қўшини билан бирга пойтахтға киради. Унинг сарбозлари яна шаҳар атрофидаги мавзеларни талон-торож қила бошлашади. Амир Оллоҳёрбек парвоначини лашқари билан бирга қирғиз-қипчоқларға қарши юборади. Арабон қишлоғи яқинида икки қўшин жангға киришади. Қирғиз-қипчоқ лашқари оғир урушлардан кейин мағлуб бўлиб, уларнинг баъзи раҳбарлари Хол понсад, Юсуфбой Мирзо, Илтарқоб қипчоқ асир тушадилар. Оллоҳёрбек қолган жамоа аскарлари орқасидан Модди мавзесигача етиб боради. Сўнг кутилмаганда Марғилонға қайтиб келиб, амирдан хонни ҳам лашқари билан бирга урушға юборишини сўрайди. Худоёрхон қўшини билан етиб борганида, қирғиз-қипчоқлар Тирак довонидан ўтиб, Қошғарға – Ёқуббек Бадавлат хузуриға кетишға улгурган эдилар. Худоёрхон Қўқонға қайтади.

Рабби ас-соний ойи 22 куни амир Музаффар Ўрдадан қочиб, «шоҳона нарсалар, тўплар, милтиқлар, қурол-аслаҳалар, гиламу қолинлар ҳамда 300-400 хотин-қиз, халқнинг болаларини асир қилиб олиб, Мўйи Муборакка келади. Сешанба куни амир Қўқон хонлиги худудидан чиқиб кетади»⁹¹.

⁸⁷ Ўша жойда. 296^а-300^а.

⁸⁸ Шохмуродхон 1842 йилда туғилиб, Маллабекдан кейин уч ой Қўқонда хон бўлди. Жами 8 йил Андижон ва Наманган (Маллахон даврида) ва Хўжандда (Худоёрхон даврида) ҳокимлик қилди. Қар.: Тарихи жаҳоннамой, I. 300^б.

⁸⁹ Тарихи жаҳоннамой, I. 213^а-222^б вар; Тарихи Алиқули амирлашқар. – Б. 137-184 б; Тарихи жадиди Тошканд, 267^б, 268^а вар; II. 2, 4^а вар; Яна қар.: Илхомов З. А. Алиқули амирлашқар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни. Тарих фан. номзоди... дисс. – Т., 2004.

⁹⁰ Жангномайи Худоёрхон, 142^а.

⁹¹ Тарихи жаҳоннамой, I. 324^а.

Қирғиз-кипчоқларнинг бошқа гуруҳ раҳбари Абдурахмон офтобачи (Мусулмонқулнинг ўғли), Каримқули дастурхончининг ўғли, Муҳаммаддиёр кўшбегининг ўғли ва Тошқаро ўз қабила-уруғлари билан келиб, Худоёрхонга тобе бўлишади. Бироқ уларнинг бариси тутиб ўлдирилади.

Бу даврда русларнинг Туркистонни босиб олиш сиёсати янада авж олади. Ўзаро уруш ва низолардан фойдаланиб, Россия қўшини ҳижрий 1282 йили рамазон ойларида (1866 йил февраль) Жиззахни босиб олиш учун Тошкентдан чиқиб, Учтепага келади. Жиззах ҳокими Ёқуббек улар билан урушмай, бир неча туяда озиқ-овқат ва отларга ем-хашак юбориб, дўстона муносабатда бўлади. 300 нафардан иборат рус қўшини оғир шароитда чўл орқали қайта Тўйтепага келади. Ана шу ҳолатда Бухоро амири 1866 йили март ойида яна Фарғона мулкига қайтиб келади. Фарғона аҳолиси амирдан ёрдам кутмоқда ва кучларни бирлаштириб, русларни Туронзаминдан ҳайдаб юборишга умид қилмоқда эди. Тарихчи Авазмухаммад Аттор ёзади: «Хўқанди латиф вилоятида балойи ом юз берди. 27 йил бўлдики, бу ерда ҳар йили, ҳар ой ва ҳар куни низо ва исёнлар бўлиб ўтаяпти. Жасур кишилардан бирор бир мард йўқки, душманга қарши чиқа олса. Мана, 10 йилдирки, ўруслар билан жанг бўлаяпти. Хўқандликлар бир неча марта Оқмасжид, Олой, Авлиё ота, Мерка, Пишпак, Алмаота, Жўлак ва Қўрғонга қўшин тортдилар. Ўрисларга қарши жангларда кўп киши нобуд бўлди. Бу бало бизнинг замонимизда юз берди. Бундан ҳамма хабардор. Шу ҳикоямиз даврида очлик ва қимматчилик узок йиллар давом этди. Одамлар шундай оғир аҳволга тушдики, ҳатто Хўқанди латиф вилояти ва унинг аҳолиси ҳам бу фалаки бевунёд зулмига гирифтор бўлди. Халқ охирги кучи ва қудрати билан қад-қоматини ростлаб, амир ва Худоёрхонни кўтарди. Руслар жангларига қўшимча (амир) ҳамиша бечора хўқандликларни урушга сафарбар этиб, ўзи вилоятнинг гоҳ бу ерида, гоҳ бошқа жойида оғир зарарлар етказарди... Бу разил ишларининг тафсили шундан иборатки, Хўқанди латиф аскарларини олдин рус жангига юбориб, ўзи бир-икки манзил орқада юрар эди. Ўзи тирик қолмоқчи бўлиб, хўқандликларни ҳалок бўлиб кетишларига парвоси йўқ эди»⁹².

1866 йил апрель ойида Худоёрхон амир талабларига бошқа итоат қилмай, русларга қарши жангдан воз кечиб, қайтиб Қўқонга келади.

Қўқон хони 1867 йил январ ойида Россия давлати билан савдо битимини имзолаган эди. Қўқонда тинчлик 1873 йилгача давом этган бўлса ҳам, хон истибдоди ва унга яқинлар ҳамда маҳаллий ҳокимларнинг зулм ва жавру жафоси натижасида, шунингдек, қирғиз-кипчоқларнинг қайта бош кўтариши оқибатида хонлик худудида ўзаро низолар ва халқ чиқишлари бошланди. 1873-1875 йиллари Ўзганд ва Ўш қирғиз жамоалари Маъмур Мирғаниев раҳбарлигида бош кўтаради. Уларга қарши 2 марта Султон Муродбек юриш қилиб, исёнчиларни қаттиқ жазолайди. 3 маротаба Худоёрхон Абдурахмон офтобачи ва Исо Авлиёни қатта қўшин билан юбориб, бош кўтарган қирғиз-кипчоқларни қирғин қилади. «Тарихи Азизий»нинг муаллифи Муҳаммадазиз Марғилоний бу юриш ҳамда қирғизларга нисбатан кўрсатилган зулмни муфассал баён қилган⁹³.

Маъмур Мирғаниев Худоёрхон илтимоси билан Тўқмоқ вилоятига сургун қилинади. Лекин у 1878 йили кўзғолон кўтарган Етимхонга амирлашкар бўлиб, руслар ҳукуматига қарши чиқади. Туркистон генерал-губернатори К. П. Фон Кауфман буйруғи билан Андижонда «халқ ибрати учун» 1879 йили 25 январда дорга осилади⁹⁴.

Худоёрхон 1868-1873 йиллар давомида Россия билан муносабатни яхшилаш учун Тошкентга кўп совға ва тортиқлар юборади. Россия савдогарлари учун қулай шарт-шароитлар яратади. Лекин шу орада ички зулм ва сиёсат кескинлашиб боради. Худоёрхон буйруғи билан Қўқонга қайтган Султон Саййидхон ибн Маллабек 1868 йили қатл этилади.

70-йилларнинг бошларида Худоёрхон қўшин сонини кўпайтириб, отлик лашкар сонини 12 мингга етказди ва уларни қурол-аслаҳа билан ҳам таъминлайди. Халқ меҳнатидан фойдаланиб, шаҳар ва қишлоқ жойлардан мардикор йиғади, Модарихон мадрасаси ҳамда Улуғнаҳр ариғини қаздириб тугатади. Бу ариқни қазишда хон саркори Отакул баҳодурбоши кўрсатган зулмни Муҳаммадазиз Марғилоний қуйидагича баён қилади:

«Ботурбоши (Отакул) бу мардикорларга шу даражада қаттиқ азоб берадики, (агар) қари мўйсафидлар чарчаб дам олиб турганини кўрса, ё эшитиб қолса, дарҳол калтакка ётқазадур. Иттифоқан бир кишини оёғига бир мардикорни кетмони тегиб, оёғини мажруҳ қилибдур, ўрнидан туролмасдан йиқилаб қолибдур. Узокдан келаётган ботурбоши кўзи тушиб, отини югуртириб келуб, баланд овози билан ҳақорат қилуб, «нима учун ўтирибсан, ишламайсан», дебдур. Унга мўйсафид кетмон теккан оёғини кўрсатуб, йиғлаб турубдур. Дарҳол бир гуруҳ мардикорни чақириб, буюради

⁹² Ўша жойда. 331^а.

⁹³ Муҳаммадазиз Марғилоний. Тарихи Азизий. 1999.

⁹⁴ Қаранг: ЎзМДА, 19-фонд, 1-рўйхат 275-иш, 17-28 б.

«оёғини тагига ётқуз» деб. Мардикорлар ётқузадирлар. «Устига тупроқ тортиб кўмиб юбор», - деб. Устига тупроқ тортиб, босиб ташлашдилар. Ботурбоши кетганидан кейин шунча адад мардикорлар йиғлаб, кўз ёшларимиз тўхтамади ва кечаси билан дуойи бад қилуб чиқдук»⁹⁵. Шу муаллиф яна Ёрмозорнинг бир ясовули тилидан қуйидаги маълумотни келтира: «Улуғнахр остидан чиққан сув тўхтамаганидан сўнгра, сув тўхтасин деб оти «Тўхтамиш» бўлган бир неча кишини олиб келиб, сув урган жойга кўмиб қўйган эканлар»⁹⁶

Бунинг устига 1873 йили Худоёрхон «васика баробар» ёки «Маҳрум мерос» – (меросдан маҳрум) деган буйруқ чиқаради. Унинг мазмуни шу эдики, Худоёрхон 45 ёшга киргани муносабати билан шу даврда қилинган васикаларни бекор этиб, одамлар меросига ҳам ўзини қўшиб, бир қисмини тортиб олади. Халқ бундай номаъқул қонунга қарши бош кўтаради. Қарши чиққан уламоларга жазо берилади. Фармон талаблари Хўқанд, Марғилон, Андижон, Ўш ва Наманганда ҳам жорий қилинади. Шу йили мулло Исоқхон Ҳасанбой ўғлининг қўзғолони бошланади. Уни қирғизлар Пўлатхон номи билан хон кўтариб, Худоёрхонга қарши чиқишади.

Ўрдада Абдурахмон офтобачи ҳам мулло Исо Авлиё билан тил бириктириб, Саййид Насриддинбекни, яъни Худоёрхоннинг ўғлини хон қилиб кўтармоқчи бўлади. У Султон Муродбекни қипчоқларга топширишга ваъда беради.

Султон Муродбекни Иккисувга юборишади. Абдурахмон офтобачи Пўлатхон билан алоқа ўрнатади. Косон яқинида Абдурахмон офтобачи билан Қўқон амирлари Маҳмудхон тўра Тошкандий (Пискентий), Холиқули эшикоғаси курама, Қосим эшикоғаси, Турсун тўқсабо, Муҳаммадсаййид ҳудайчи, Саййид Маҳмудхон ҳудайчи (Соқовтўра), Назарқули парвоначи, Зулфиқорбек Фозилбек дастурхончи ўғли, Гадоёбой ва Миролим эшикоғаси, Саримсоқ додхоҳ ҳудайчи, қипчоқия сардорларидан Қийиқбой парвоначи, Мерганбой эшикоғаси, Худоёрхон ва Наримон эшикоғаси, Мулло Йўлдош ва Нормухаммад эшикоғаси, Нурмуҳаммад тўқсабо, Холмуҳаммад, Мирзо Атоий тўқсабо, Ғойиб Мирзо, кенагас жамоаси улуғларидан Худоёрхон додхоҳ, Йўлбоши, мулло Раҳмонқули эшикоғаси, мулло Олимжон, Мирзо эшикоғаси, Муҳаммадқули тўқсабо, Муҳаммадали эшикоғаси, Мусо тўқсабо, Ботир тўқсабо, Ёқуббек тўқсаболар 12 минг кўшин билан Хитой сойига келишади⁹⁷. Саййид Насриддинбек ҳам Офтобачи олдига келади ва унинг томонидан хон қилиб кўтарилади. Улар Хўқандга ҳужум қилмоқчи бўлганида Худоёрхон Хўжандга қочади ва шу ерда ўғли Насриддинбек фойдасига тахтдан воз кечади. Манбаларнинг хабар беришича, Худоёрхон Қўқондан 22 арава хазина бойлиги бир қанча тилло, кумуш ва мисдан ясалган идишлар, қолину гиламлар, тарихий ва диний китобларни, 150 та тўп ва замбараклар, милтиқларни ўзи билан Тошкентга олиб келиб, чор маъмуриятига топширмоқчи бўлган⁹⁸.

Йўлда уч арава хазина аскарлар, аҳоли томонидан талон-торож бўлади. Маҳмудхон тўра эса яна икки арава хазина бойлигини, учта замбарак ва отлиқ лашкарни Қўқонга қайтаради⁹⁹.

Худоёрхон Қўқондан чиқиб кетганида хон ўрдаси аҳоли томонидан талон-торож бўлади. Отабек шарбатдор ва Тошкентдаги Қўқон вакиллари бўлмиш Мирзо Ҳаким уйлари ҳам талон-торож қилинади¹⁰⁰.

Хўжандда Абдурахмон офтобачи томонидан юборилган кўшин Отақул баҳодурбоши, Кичикбой қипчоқ раҳбарлигида шаҳарга кириб, бу вилоят хазинасини бўшатади. Насриддинхонни яна оқ кигизга солиб, Қўқонда хон кўтаришади. Офтобачи Россияга қарши хонлик аҳолисини сафарбар қилмоқчи бўлади. Офтобачи томонидан йиғилган кўшин Маҳрамга келиб, Россия кўшинига қарши мавқени эгаллайди. Абдурахмон офтобачи буйруғи билан Зулфиқор ибн Фозилбек ва Мақсудхон тўралар Тошкентга юриш қилмоқчи бўлгани учун Курамага юборилади. Лекин улар Россия империяси кўшини раҳбари генерал К.П.фон Кауфман бошчилигидаги жанг билан қарши олиниб, русларнинг қаттиқ зарбасига дуч келдилар. Русларнинг бошқа дастаси Скобелев кўмондонлиги остида Хўжандга келади ва кейин келиб қўшилган Кауфман дастаси билан кучайиб, Маҳрамда Офтобачи кўшинига яқинлашади. Чор кўшинида Шаҳрисабз беклари Жўрабек ва Бобобек ҳам бўлишган¹⁰¹.

Маҳрам яқинидаги урушда Абдурахмон офтобачи кўшини тор-мор бўлиб, ўзи Марғилон яқинидаги Карпил мавзеига қочиб кетади.

⁹⁵ Тарихи Азизий, 312 б.

⁹⁶ Ўша жойда. 312, 313 б.

⁹⁷ Тарихи жаҳоннамой, I. 99^б.

⁹⁸ Тарихи Азизий, 319, 320; Тарихи жадиди Тошканд, 107^а-108^б.

⁹⁹ Тарихи жадиди Тошканд, 109^б.

¹⁰⁰ Ўша жойда., 120^б.

¹⁰¹ Ўша жойда. 114^б, 127^а-128^а.

Қўқонда қолган Насриддинхон чор аскарларини раҳбарлари билан қаршилаб, Русия ҳукуматини тан олади. Бу вақтда Иккисувдан қочиб келган Султон Муродбек вилоятда ҳоким эди. У руслар тобелигини қабул қилган бўлса ҳам, таслим бўлган Отакул баҳодурбоши ўрнига Марғилон ва унинг атрофига ҳоким этиб тайинланиб, зиммасига уруш жаримаси-лакпули (40 минг тилло) йиғиб олиш юклатилади. Андижон ва Ўш аҳолиси бошига ҳам русларга қарши чиққани учун жарима солинади. Чор ҳукуматига қарши хонликнинг шарқий ҳудудида яшайдиган аҳоли бош кўтаради. Марғилон аҳолиси Отакул баҳодурбошини «бу русларга сотилган хоин» деб, тутиб олиб ўлдиради. Шаҳар аҳолиси қўзғолонига Валихон тўра, Ҳайитбой эшикоғаси бошчилик қилади. Пўлодхон русларга қарши катта кўшин жамлайди. Хўқандга ҳужум қилмоқчи бўлганида Насриддинбек 13 кун энди мустақил хонликка ўтириб, чор ҳукумати билан битим тузади (1875 йил 25 сентябр]. Бундан хабар топган аҳоли яна кўзғалиб, ўрдага ҳужум қилади. Насриддинбек Хўжандга қочади.

Пўлодхон ҳам чор аскарларига қарши аҳолини сафарбар қилмоқчи бўлади. Шаҳарликлар, кўчманчи жамоалар, мадрасалар талабалари Пўлодхон аскарига қўшилиш учун Марғилонга келади. Унинг буйруғи билан босқинчилар билан ҳамкорлик қилган кишилар қатл этилади¹⁰². У хонзодаларни ҳам тутиб, қатл қилишни одамларига буюрган эди¹⁰³.

1293 ҳижрий муҳаррам ойида (1876 йил феввали) Наманганда турган Скобелев генерал-губернатордан подшоҳ имзоси билан Қўқон хонлигини бутунлай босиб олиш учун фармон олади. Скобелев ҳийла ва найранг билан Абдурахмон офтобачи ва Пўлодхонни Асака ва Андижон оралиғида қўлга туширади. Пўлодхонни тутишга ёрдам берган Ўрозбой Худоёрхон ва Ҳошимберди Шамбаров Россия империясининг тилла нишонлари билан тақдирланади¹⁰⁴.

Абдурахмон офтобачи муҳаррам ойининг 20-куни Россиянинг Екатеринбург губерниясига сургун қилинади¹⁰⁵. Насриддинхон эса Россиянинг Владимир губерниясига юборилади. Пўлодхон (Исоқбой ибн Ҳасанбой ўғли) эса Саййид Мавлонбек ва Али Акбарбек ибн Саидмуродбек талаблари билан Марғилонда 1876 йил 1 март куни дорга осиб йўли билан қатл қилинади. Унинг ҳомийси мулло Абду-л-Мўмин ибн Муҳсинбек Тошкандий ҳамда Абду-л-Мўмин ҳам Тошкентга олиб борилиб, Солор анҳори ёқасида дорга осилади. 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги чор Россияси томонидан тўлиқ босиб олиниб, унинг ўрнига Фарғона вилояти тузилади. Шундай қилиб, 150 йилдан кўпроқ мавжуд бўлган Қўқон хонлиги давлати барҳам топади.

XIX асрнинг 70-йиллари ўртасида Туркистон минтақасининг кўп ерлари чор Россияси таркибида эди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги расман ўз мустақиллигини сақлаган бўлса ҳам, аслида ушбу давлатга бутунлай тобе бўлиб қолди ва натижада Россия давлати жанубда Амударё бўйларигача бўлган ерларни ўз тасарруфига киритди¹⁰⁶.

Россия империясининг босқинчилиги даврида Ўрта Осиё халқлари ичида ерга нисбатан эгалик муносабатлари (феодализм) мавжуд эди. Шу муносабатларнинг емирилиши натижасида ижтимоий қарама-қаршилик ва зиддият кучайиб кетади. Бу зиддиятлар XIX асрнинг ўртасида содир бўлган уруш ва низоларда ўз аксини топган. Юқорида баён қилинган Россия-Қўқон алоқалари, жуда оғир ҳарбий ва сиёсий воқеалар ана шу тарихий даврда бўлиб ўтганига гувоҳ бўламиз. Тарихий шароит ва халқаро тарихий жараёнлар кейинги даврларда, аниқроғи 1991 йилгача Туркистон (Ўрта Осиё) халқларининг тақдири ва келажагини Россия давлати билан боғлаб қўйди.

II. ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА МАДАНИЙ ОМИЛЛАР

II.1. ХОНЛИКНИНГ ҲУДУДИ ВА АҲОЛИСИ.

XVIII аср охирларида хонликнинг ҳудудлари ҳали Фарғона водийсидан иборат эди. Водий қулай иқлим ва табиий географик минтақада жойлашган бўлиб, унинг ҳудуди 22,2 минг км²ни, тоғли ҳудудлар билан бирга 80 минг км² ни, шарқдан ғарбга томон узунлиги 300 км., шимолдан жанубга қадар баъзан 170 км. ни ташкил қилади¹⁰⁷.

¹⁰² Қаранг: ЎзМДА, Ф.И.–19-жамғарма. 1-рўйхат, 29-30 бет.

¹⁰³ Тарихи Азизий, 169^а.

¹⁰⁴ ЎзМДА, Ф.И. – 19-фонд, 1-рўйхат 30- иш.

¹⁰⁵ Унинг тақдири ҳақида қаранг: ЎзМДА, 19–И фонди. 10475, 11043, 11087 рўйхатлар.

¹⁰⁶ Воҳидов Ш. Авазмухаммад Аттор и его сочинение «Тарихи жахоннамои» (исследования, перевод и примечания). С. 8.

¹⁰⁷ Масальский В.И. Туркестанский край // Россия: Полное географическое описание нашего отечества. XIX. Спб., 1913. – С. 31.

XVIII асрнинг охирига келиб Норбўтабий водийдаги барча беклик ва вилоятларни ўз иттиога киргизиб, уларни Қўқонга бўйсундирди. Унинг даврида Андижон ва Марғилон вилоятлари ҳамда Қўқон худудлари водийдаги энг катта мулклар эди.

Олимхон (1798-1810) даврида хонлик худудлари Тошкент ва унинг атрофидаги ерлар ҳисобидан анча кенгайди. Тарихий асарларда Тошкент мулки вилоят, шаҳар, Тошкент ва Дашти қипчоқ вилояти номлари билан тилга олинади. Унинг худудларига Оҳангарон, Чиноз, Тошкент атрофи, Сирдарё бўйларида жойлашган бугунги Туркистон шаҳри ва унинг атрофлари кирган. Бу мулкнинг ҳокимлари манба ва хужжатларда ҳоким, ҳукмдор, волий, нойиб атамалари билан тилга олинади.

XVIII асрнинг ўрталарида, яъни Тошкент шаҳри Қўқон хонлиги таркибига киргунга қадар у тўрт даҳага бўлинган. Даҳаларда тўртта эътиборли хонадон вакиллари - Шайхонтохур даҳасида Авлайқулихон авлодидан Бобохонтўра, Бешёғоч даҳасида аштархонийлардан Ражаббек, Кўкча даҳасида Чигатойхон авлодидан Муҳаммадиброҳимбек, Себзор даҳасида Жўчихон наслига мансуб шахс ҳоким бўлиб, улар ўртасида тинимсиз уруш-жанжаллар бўлиб турган¹⁰⁸. Бу давр тарихий адабиётларда «Чорҳокимлик даври», деб тилга олинади.

1784-йилда шайхонтохурлик Юнусхўжа барча даҳаларни бирлаштириб, «Чорҳокимлик»ка барҳам берди ва Тошкентга ҳоким бўлди. Унинг ўғиллари Муҳаммадхўжа, Хонхўжа, Султонхўжа ва Ҳамидхўжалар Тошкент атрофидаги қалъа ва истехкомларга ҳоким қилиб тайинланди. 1804-йилда Юнусхўжа шаҳар зодагонлари ва баъзи кўчманчи уруғ ва қабилалар қутқуси билан Қўқонга юриш бошлади. Хуррамсарой (Ғурумсарой) яқинида у Қўқон хони Олимхон лашкари билан тўқнашиб, мағлубиятга учради.

Тошкентга қайтган Юнусхўжа тез орада вафот этди. Унинг ўғилларидан Муҳаммадхўжа, сўнгра Султонхўжа ҳокимликни қўлга олишди. Султонхўжанинг Қўқонга қарши ҳаракатлари туфайли Олимхон кўшин билан Тошкентга юборилган Умархон Юнусхўжанинг бошқа ўғли Ҳомидхўжани шаҳарга ҳоким этиб тайинлади¹⁰⁹.

1809-йилда Тошкент Қўқон хони Олимхон кўшини томонидан қайта ишғол этилди¹¹⁰. Олимхон 1809/1810-йилларда аввал Саййид Алибек парвоначини, 1810-йилда ўз ўғли Шохруҳбекни Тошкент ҳокими, Лашкар бекларбеги эса унинг баҳодирбошиси этиб тайинлади. Шу билан Олимхон Тошкентда узоқ муддат ҳукм сурган Шайхонтохур даҳасидаги эътиборли оилаларидан бўлган хўжалар ҳукмронлигини тугатди.

Қўқон хонлари Тошкентдан Дашти қипчоқ ва бошқа ерларни босиб олишда истехком (плацдарм) сифатида фойдалана бошладилар. Умархон ҳукмронлиги даврида (1810-1822) Тошкент ва Чимкент қайта бўйсундирилди ва Ражаб девонбеги Бадахший 1810-1816-йилларда Тошкент ҳокими бўлди. 1815-йилда Ражаб кўшбеги бошчилигидаги кўшин Туркистонни забт этди. Туркистоннинг босиб олиниши деярли Сирдарёнинг Орол денгизига қуйилиш жойигача бўлган қозоқ чўлларининг Қўқон хонлиги қўлига ўтишига олиб келди. Босиб олинган ерлар Дашти Қипчоқ худудлари билан биргаликда Тошкент вилояти таркибига киритилди.

Ражаб кўшбеги тез орада Умархонга қарши ҳаракатларда айбланди ва у пойтахтга чақирилиб, йўлда Сирдарёга чўктириб ўлдирилди. Унинг баҳодирбошиси - Лашкар бекларбеги исми билан машҳур бўлган Ғуломшоҳ Чатрорий ёки Чатролий 1816-1819/20-йилларда Тошкентга ҳоким этиб тайинланди. У Олимхоннинг амирлашкарларидан бўлиб, Умархонга тахтни эгаллашида яқиндан ёрдам берган эди. Умархон унга лашкарбекларбеги, девонбеги ва кўшбеги унвонларини берган бўлса-да, барча манбаларда Лашкар бекларбеги номи билан тилга олинади¹¹¹.

Умархон даврида Хўжанд, Ўратепа ва Жиззах атрофидаги ерларга ҳам кетма-кет юришлар қилинди ва 1817-йилда Ўратепа ҳам босиб олинди.

Муҳаммадалихон (1822-1842) даврида мамлакатнинг худудлари янада кенгайди. Хонлик шимолда Россияга қаршли Ташқи Сибирь округи билан, ғарбда Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги билан, жанубда Қоратегин, Дарвоз ва ундан узоқроқдаги ерлар – Шуғнон, Рўшон ва Вахон¹¹² (бу худуд Қўқонга номигагина қарам бўлган) Кўлоб билан, шарқда Қашқар билан чегараланган. Хонлик худудига Сирдарё билан Қоратегин ўртасида жойлашган Фарғона худудлари, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Наманган, Хўжанд ва бошқа шаҳарлар, 1817-йилда босиб олинган ва Бухоро

¹⁰⁸ Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари. / Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: O'zbekiston. 2009. – Б.89-90.

¹⁰⁹ Ўша жойда. – Б. 91.

¹¹⁰ Тожири Хўжандий. Ғароиб сипоҳ. 5^б.

¹¹¹ Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахаб ут-таворих. II. – Б. 28-429.

¹¹² Ўзбекистон ССР тарихи. I том. – Тошкент, 1970. Б. 678.

амирлиги ҳамда Қўқон хонлиги ўртасида жойлашган Ўратепа шаҳри, Хўжанд ва Тошкент оралиғида жойлашган Курама вилояти, Ҳазрат ёки Туркистон, Сирдарёнинг юқори оқимидан то Балхаш кўлигача бўлган қирғизлар яшайдиган ерлар, кўчманчи қирғизлар яшайдиган Биллур тоғининг шарқий этаклари, 1830-йилдан бошлаб эса унинг ғарбий этаклари ҳам кирди¹¹³.

XIX асрда Қўқон хонлиги манбаларда беклик, баъзан вилоят ва саркорлик сифатида тилга олинган маъмурий-худудий қисмларга бўлинган ва уларни хон томонидан тайинладиган мос равишда беклар, ҳокимлар ва саркорлар бошқарган. А. Кун хонликдаги 15та бекликнинг номини келтиради. Булар: Қўқон ва унинг атрофи, Марғилон, Шаҳрихон, Андижон, Наманган, Сўх, Маҳрам, Булоқбоши, Аравон, Балиқчи, Чортоқ, Навкат, Косон, Чуст ва Бобо дархон¹¹⁴. Бошқа манбаларда Асака, Марғилон, Балиқчи, Ўш, Сўх, Косон ва Ўзган саркорлик сифатида ҳам тилга олинган¹¹⁵.

Ҳокимлар ва худудий бўлинма бошлиқлари хон оиласи аъзолари, унга яқин гуруҳлар, юқори табақа вакиллари ва етакчи қабилалар сардорлари орасидан тайинланган. Жумладан, Худоёрхон даврида етита беклик хоннинг ўғиллари ва яқин қариндошлари томонидан бошқарилган. Ўз навбатида ҳокимлар вилоят худудларини ўзининг фарзандлари ва қариндошларига бўлиб берганлар¹¹⁶.

Баъзи беклик ёки вилоятлар хон томонидан кучли давлат арбоблари ёки маҳаллий кучларнинг бошлиқларига улар билан муроса қилиш мақсадида берилган. Жумладан, кучли гуруҳ вакили ва қабила сардори сифатида Ражаб қўшбеги, Муҳаммадшариф оталиқнинг Тошкентга, юзлар қабиласи вакиллари Хўжанд ва Ўратепага ҳоким этиб тайинланганлиги бунинг далилидир¹¹⁷.

Хонликнинг маъмурий-худудий бошқарув тизимида бек (ҳоким, волий) ва унинг ўрдаси алоҳида ўрин эгаллаган. Хон томонидан тайинланган ҳоким ва қози барча ваколатларга эга бўлган. Лекин, уларнинг ваколатига ўлим жазосини бериш кирмаган. Бек ўрдасида ҳам хон саройидагидек юзлаб амал ва унвонлар жорий қилинган¹¹⁸ бўлиб, улар маҳаллий аҳолидан йиғиладиган солиқ ҳамда тўловлар ҳисобидан кун кечирган. Бекликда саркор аҳолидан солиқ ва тўловлар йиғиш, суғориш тизими, ҳашар ишларига масъул амалдор бўлган. Манбаларда саркорлик ҳисобидан катта мулкларга эга бўлган шахсларни кўплаб учратиш мумкин¹¹⁹.

Беклар хоннинг итоаткор вассаллари бўлиб, мамлакатни бошқаришда уни қўллаб-қувватлашлари, зарур бўлганда унга ёрдам беришлари, унинг ҳурмат-иззатини жойига қўйишлари, керакли вақтда ўз қўшинлари билан ҳарбий юришларда иштирок этишлари ва совға-саломлар юбориб туришлари керак бўлган. Масалан, Худоёрхоннинг укаси Султон Муҳаммадмурод ўз вилояти бўйлаб қилган ўн ойлик сафари давомида унга 700 дан ортиқ қўй тортиқ қилинган. Ҳадялар берганлар орасида бийлар, ҳаммом эгалари, оқсоқоллар, аминлар, саркорлар, жарчибошилар, эшикоғалари, мирзобошилар, қозилар, имомлар, мутаваллийлар, хатиблар, қорилар, қўрбошилар, қоровулбегилар, тўқсобалар, юзбоши, баҳодирбошилар, шайх ул-ислом ва хўжайи калоннинг фарзандлари, эликбошилар, раислар, тўралар, мироблар, тархонлар, иноқлар, понсадлар, мирохўрлар ва бошқа зодагонлар бўлган. Биргина Ойимчахоннинг фотиҳасига 259 бош қўй тўёна қилинган¹²⁰.

Қўқон хонлигида Қўқон, Тошкент, Андижон, Наманган, Марғилон, Чимкент, Жиззах, Ўш, Хўжанд, Ўратепа каби аҳолисининг сони жиҳатидан катта, ҳунармандчилик ва савдо ривожланган, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ўнлаб шаҳарлар мавжуд бўлган. Улар ўзининг тузилишига кўра уч қисмга, яъни арк, шаҳристон ва работга бўлинган. Аркда хон, унинг оиласи ва қариндош-уруғлари яшаса, шаҳристонда шаҳар аҳолиси, ҳунарманд-қосиблар, савдо аҳли яшаган ва ишлаган. Шаҳристонда ҳовли, уй-жойлар, устахоналар, дўконлар, қарвонсаройлар, бозорлар, масжид ва мадрасалар ҳам жойлашган. Шаҳристон маҳаллаларга, маҳаллалар эса гузар ва расталарга бўлинган. Шаҳарликларнинг ер - боғлари жойлашган қисми эса работ, деб аталган.

¹¹³ Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити (XVIII-XIX). – Б.24-25.

¹¹⁴ Ўша жойда – Б. 65.

¹¹⁵ Қаранг: Туркестанские ведомости. 1876. №13.

¹¹⁶ К у н А. Некоторые сведения о Ферганской долине // Туркестанский сборник, т. 117. – С. 169.

¹¹⁷ Қаранг: Бейсембиев Т.К. Тарихи Шаҳрухи как исторический источник. – С. 150-152.

¹¹⁸ Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. – Б.6-21.

¹¹⁹ Бу ҳақда қаранг: Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. – С. 104.

¹²⁰ ЎзМДА. Ф.И-1043-фонд, 1-рўйхат, 2418-иш. 1. Яна қаранг: Т р о и ц к а я А.Л. Каталог архива кокандских ханов XIX века. – Москва: Наука. 1968. – С. 342-343.

Хонликнинг пойтахти Қўқон шаҳри бўлиб, у мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий маркази эди. Тадқиқотчи олим А.Вамбери маълумотларига кўра, Қўқон Хивага нисбатан беш барабар, Бухорога нисбатан уч барабар, Техронга нисбатан тўрт барабар катта бўлган¹²¹.

Қўқон шаҳрини хоннинг ўзи бошқарган. Шаҳар аҳолисининг сони ҳақида тадқиқотчи олим Вельяминов-Зерновнинг маълумотларида, XIX асрнинг 20 – йилларида Қўқонда 3 мингга яқин хонадон ва олти бозор, шу асрнинг 50 – йилларида Қўқонда 8 минг хонадон, 30 мингга яқин аҳоли, 9 та карвон сарой ва 6 та ҳаммом бўлган, деб кўрсатилса¹²², рус сайёҳи А.П. Хорошхиннинг маълумотларига қараганда, XIX асрда шаҳарда 80 минг киши яшаган. Пойтахтда ўз масжидига эга бўлган 540 та маҳалла мавжуд бўлган. У Қўқон шаҳри ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Қўқон шаҳри халқ томонидан ва расмий равишда «Латиф» - чиройли деб аталади... Қўқон жуда текис жойда жойлашган. Шаҳар атрофида ариқлар, экинзорлар ва ўрмонлар жуда кўп. Баъзан улар шаҳар деворларига яқин келади... Шаҳар атрофи тахминан 16 вёрст¹²³, шаҳарнинг узунлиги Газовлик дарвозасидан Марғилон дарвозасигача 5 вёрстга яқин. Шаҳар 12 дарвозаси бўлгани учун 12 қисмга бўлинган. Шаҳарда 540 та маҳалла ва уларнинг ҳар бирида оқсоқол бўлган. 22 минг уй бор. Аҳоли 80 минг. Шаҳар бўйича 600 та масжид бор»¹²⁴.

Мамлакатнинг Қўқон шаҳридан кейинги муҳим сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий-стратегик марказларидан бири Тошкент шаҳри эди. В.В. Вельяминов-Зерновнинг маълумотларига қараганда, XIX асрнинг 50 – йилларда Тошкентда 11 минг хонадон мавжуд бўлиб, унда 50 минг аҳоли, 310 масжид, 15 та карвонсарой, 11 та ҳаммом бўлган. Шаҳарнинг асосий кўчасига бозордан то Ўрдагача тош тахтачалар ётқизилган бўлиб, бу ўрдада шаҳар ҳокими, Қўқон хонининг ноиб турар эди¹²⁵.

Бошқа манбаларда айтилишича, XIX асрнинг бошларида Тошкентда 3 минг хонадон ёки 15-20 минг аҳоли яшаган. Потаниннинг маълумотларига қараганда, XIX асрнинг 20 - йилларида Тошкентнинг фақат эркак аҳолиси ўн минглаб кишидан иборат ва 2 минг хонадон бўлган эса, шу аср ўрталарига келиб шаҳар аҳолисининг сони 60 мингдан зиёдни ташкил қилган. Шаҳар тўрт даҳага, яъни Бешёғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур даҳаларига бўлинган, Бешёғоч даҳасида 32 та, Себзорда 38 та, Кўкчада 31 та ва Шайхонтоҳур даҳасида эса 48 та маҳалла бўлган¹²⁶. Тошкентда XIX асрнинг биринчи ярмида 50 та масжид, 5 та карвонсарой, катта меҳмонхона ва 5 та бозор фаолият кўрсатган. Тошкент воҳа ва Дашти қипчоқнинг пойтахти сифатида катта мавқега эга бўлиб, Дашти қипчоқ ва Россияга борадиган карвон йўллари шу шаҳар орқали ўтган.

Тошкент Олимхон томонидан босиб олинган, унга 1809/1810-йилларда Саййид Алибек парвоначи, 1810-йилдан Олимхоннинг ўғли Шохруҳбек, 1816-1819/20-йилларда Лашкар бекларбеги исми билан танилган Ғуломшоҳ Чатрорий ҳоким бўлган. Ғуломшоҳ Чатрорийга аввал кўшбеги, кейинчалик лашкар бекларбеги унвони берилган бўлиб, у бир неча оралиқ вақтлар давомида 1842-йилгача Тошкент мулки ва Дашти қипчоқни идора қилган.

Манбалардан маълумки, 1819/20-1823-йилларда Тошкентни баъзи узилишлар билан Абдуллабек (Абдуллоҳхон) ибн Умархон, амалда эса юқорида исми тилга олинган, Лашкар бекларбеги бошқарган. Бу муддат оралиғида, аввал Абдуллабек, 1820-йилнинг 10 ойи давомида Каримқули меҳтар, сўнгра 10 ой Исабек «жинни» лақабли киши, кейин 1823-йилгача яна Абдуллабек Тошкент ҳокими бўлган. Абдуллабекни Муҳаммадалихон ўлдирган, 1835-йилгача Лашкар бекларбегининг ўзи яна шаҳар ва Дашти қипчоққа волий бўлган. Абу Убайдуллоҳ Тошкандий ўзининг «Хулосат ул –аҳвол» асарида бу шахс ҳақида катта самимият билан ёзган¹²⁷. Унинг ҳукмронлик даври Муҳаммадҳакимхон, Муҳаммадсолиххўжа Тошкандий, Абу Убайдуллоҳ Тошкандий ва бошқа қўқонлик муаррихларнинг асарларида кенг ёритилган¹²⁸.

Қўқон хони Муҳаммадалихон (1822-1842) ўз ҳукмронлигининг охириги йилида, хонликдаги ички низолар сабаб Лашкар бекларбегини Тошкент ва Дашти қипчоқ ҳокимлигидан олиб, 1841-

¹²¹ Ўзбекистон ССР тарихи. I том. – Тошкент 1970. – Б. 639.

¹²² Ўша жойда. – Б. 640.

¹²³ 1 верста — қад. рус ўлчов бирлиги. Қиймати 500 саженга, яъни 1,0668 км га тенг.

¹²⁴ Хорошхин А.П. Заметки о Кокане. // Русский инвалид. – №75. // ТС. 23 – том. – С. 39.

¹²⁵ Ўзбекистон ССР тарихи. I том. – Тошкент, 1970. – Б. 639.

¹²⁶ Азадаев Ф.А. Ташкент во второй половине XIX в. Очерки социально-экономической и политической истории. – Ташкент: Изд-во Ан УзССР, 1959. – С.24-25; Малицкий Н.Г. Ташкентские махалля и мауза. – Ташкент: САГУ, 1927. – С.16; Шу муаллиф. К истории Ташкента под Коканским владычеством // Протоколы Туркестанского Клуба Любителей Археологии. 1900. – С.126-137; Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари муҳим тарихий манба сифатида (XIX аср). Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 180.

¹²⁷ Қаранг: Абу Убайдуллоҳ Тошкандий. Хулосат ал-аҳвол// Ўз ФА ШИ, 2084 –рақам, 82^а-87^а.

¹²⁸ Қаранг: Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари. – Б. 92-113.

йилнинг декабрь – 1842-йил май ойлари давомида Тошкент мулкани бошқаришни укаси Султон Маҳмудхонга топширган. Аммо, Муҳаммадалихон вужудга келган аҳоли норозилигини тинчитиш учун 1842-йилнинг бошларида Марғилонда ҳоким бўлиб турган Лашкар бекларбегини яна қайта Тошкентга ҳоким этиб тайинлашга мажбур бўлган. Лашкар бекларбеги Тошкентга келгач, Қўқон итоатидан чиққан кўчманчи аҳолига қарши қўшин тортиб, Пишпак қалъасига борган ва қалъа ҳокими Ёдгорбек билан тил бириктириб, элатлар оқсоқоллари билан битим тузишга ҳамда шу ўлкани қайта Тошкент итоатига киритишга муваффақ бўлган¹²⁹.

1842-йилда Бухоро амири Қўқон хонлигини босиб олганидан сўнг¹³⁰, Тошкентга амир Насруллоҳ номидан Муҳаммадшариф оталиқ ҳоким этиб тайинланган. У Бухоро амирининг ҳомийлигидан фойдаланиб, Бухоро асоратидан озод бўлган Қўқонга қаршилик кўрсата бошлаган. Хўжандни босиб олиш мақсадида уни қирқ кун қамал қилган. Абу Убайдуллоҳ Тошкандий Хўжанднинг талон-торож қилинишини «Хулосат ал-аҳвол» асарида афсус билан қайд этган¹³¹.

Муҳаммадшариф Тошкент ҳокимлигидан кетганидан сўнг Саримсоқхон ибн Шералихон, у Тошкентдан чақирилиб олиб ўлдирилгач Мулло Холбек, 1846-1847-йилларда Азиз парвоначи, 1847-1852-йилларда Нормуҳаммад қўшбеги, 1852-йилнинг октябридан Муҳаммадниёз (Ниёзмуҳаммад), 1853-йил қишида Худоёрхоннинг акаси Маллабек, 1853-йилнинг ёз-кузида Шодмонхўжа Тошкандий парвоначи/қўшбеги, 1853-йил октябридан 1854-йилнинг февралигача Сўфибек додхоҳ ибн Давронбек Кўхистоний баҳодурбоши ўғли, 1854-1858-йилларда Мирзо Аҳмад, 1858-йилнинг ёз-кузида (3 ой) давомида Худоёрхоннинг укаси Султон Муродбек Тошкент ва Дашти қипчоққа ҳокимлик қилган¹³².

Маллахон (1858-1862) даврида Ўтаббий қўшбеги қипчоқ, ундан кейин 7-8 ой Муҳаммадмусо парвоначи турк, сўнг 1859-1860-йилларда 10 ой Рустамбек додхоҳ Қозоқбий оқсоқол Тошкандий ўғли, 1860-1861-йилларда Қаноатшоҳ оталиқ Қоратегиний, 1861-йилда яна Рустамбек додхоҳ Қозоқбий оқсоқол Тошкандий ўғли Тошкентда ҳоким бўлган¹³³. 1862-йилда Маллахоннинг ўлимидан сўнг Худоёрхон Тошкент ва Дашти қипчоқ мулкани укаси Султон Муродбекка берган. У Тошкентни бошқариш учун ўз ўрнига ботирбошиси Дўстмуҳаммадни, 1863-йилнинг ёзидан Ниёзали қўшбеги Шаҳрисабзийни юборган. 1863-йилнинг июль-сентябрида Шодмонхўжа Тошкандий парвоначи/қўшбеги иккинчи бор, сўнгра Нормуҳаммад парвоначи, 1864-йилининг август - декабрида Мирзо Аҳмад парвоначи/қўшбеги иккинчи бор, 1864-йил декабрь 1865-йил май ойларида Қўш додхоҳ/парвоначи қипчоқ Тошкентда ҳоким бўлган.

1865-йил 17-июнда Тошкент шаҳри икки ойлик қамалдан сўнг рус босқинчилари томонидан босиб олинди ва Тошкент мулки ҳамда ҳокимлиги тугатилиб, рус мустамлакачилиги маъмурий бошқарувига асос солинди.

XIX асрда хонликнинг чегара ҳудудларини бир неча қалъа ва истехкомлар сақлаб турган. Улар жумласига Оқмасжид, Авлиё ота, Пишпак, Тўқмоқ, Қўртқа, Ниёзбек, Маҳрамни киритиш мумкин. Чу водийси бўйлаб қурилган истехкомлар эса нафақат чегара муҳофазаси учун, балки уларнинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқларни итоатда ушлаб туриш учун ҳам хизмат қилган¹³⁴. Шу мақсадда бу шаҳар ва қалъаларда ҳарбий қисм ва уларга бошлиқ бўлган ботирбошилар хизмат ўташган. Мудофаа мақсадлари учун қурол ва аслаҳалар захираси мавжуд бўлган.

Хонлик таркибига кирувчи ҳудудлар аҳолисининг жойлашуви ва турмуш тарзи бир-биридан фарқ қилган. Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсининг суғориб деҳқончилик қилинадиган қисми аҳоли жойлашуви жиҳатидан зич бўлиб, улар ўтроқ ҳаёт кечирган, саҳро, тоғ ва тоғ олди текисликларидан иборат ҳудудларда кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли яшаган.

XIX асрнинг бошларида хонликда (Тошкент ва Туркистонни ҳам қўшиб ҳисобланганда) аҳоли сони бир миллион киши бўлган¹³⁵. Айрим манбаларда XIX асрнинг ўрталарида хонликда 1,5 миллиондан 2 миллионгача аҳоли яшаганлиги айтилади¹³⁶. Мазкур аҳолининг асосий қисми хонликдаги шаҳарлар ва уларнинг атрофларидаги қишлоқларда, яъни Фарғона, Қурама, Тошкент,

¹²⁹ Абу Убайдуллоҳ Тошкандий. Хулосат ал-аҳвол // Ўз ФА ШИ, 2084 – рақам, 82^а-87^а.

¹³⁰ Тожири Хўжандий. Фароиб сипоҳ. 23^б-29^б.

¹³¹ Абу Убайдуллоҳ Тошкандий. Хулосат ал-аҳвол. 82^а-87^а.

¹³² Ўша жойда, 103^а.

¹³³ Ўша жойда, 172^а, 175^б.

¹³⁴ История Узбекистана. Т. III. (XVI-первая половина XIX века). – Тошкент:Фан, 1993. – С. 222.

¹³⁵ Ўзбекистон ССР тарихи. I том. – Б.621.

¹³⁶ Қаранг: Петровский Н. Очерки Кокандского ханства // ТС. Т. 76. – С.1^а-19.

Наманган, Хўжанд ва Ўратепа ҳудудларида турғун яшаган. Қўқон атрофида 360 та, Марғилон, Андижон, Ўш, Наманган ва бошқа шаҳарлар атрофида эса жами 1214 та қишлоқ мавжуд бўлган¹³⁷.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатда ҳеч қачон аҳоли рўйхати ўтказилмаган ва ҳатто хоннинг ўзи ҳам аҳолининг умумий сонини аниқ билмаган¹³⁸.

XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб, XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган давр ичида Қўқон хонлиги аҳолисининг сони ўсиб борган ва XIX асрнинг иккинчи ярмига келганда мамлакат аҳолиси уч миллион кишига етган. Аммо, Россия империяси томонидан кўплаб ҳудудларнинг босиб олиниши ва уларнинг босқинчилар маъмурияти таркибига кириши натижасида хонлик тасарруфидаги Фарғона водийсида икки миллионга яқин аҳоли қолгани тахмин қилинади¹³⁹.

Аҳоли таркибида ўтроқ аҳоли кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолига нисбатан кўпчиликни ташкил этган. XIX асрнинг бошларида аҳолининг 40 фоиздан ортиғи кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлса, шу асрнинг охирига келиб улар 15 фоизни ташкил қилган¹⁴⁰.

Хўжалик машғулотларига кўра ўтроқ аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, ҳунармандчилик ва қосибчилик ҳамда савдо-сотик билан банд бўлса, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли чорвачилик билан шуғулланган¹⁴¹.

Хонлик аҳолисининг кўпчилиги ўзбек (сарт)лар бўлиб, мамлакат шаҳар ва қишлоқларида тожик (сарт)лар ҳам яшаган. Ўзбеклар ва тожиклар асосан ўтроқ тарзда кун кечириб, улардан ўзбеклар Андижон, Асака, Олтиариқ, Оқмасжид, Абдусамад, Авлиёота, Ботирқўрғон, Байтак, Бешариқ, Бувай, Букан, Жойкашт, Дўрманча, Ёр мазор, Иқон, Қароқчиқум, Қораянтоқ, Кушкон, Қўқон ва унинг атрофида, Қарнақ, Гурумсарой, Катта Қайнар, Қува, Кумиш, Дуғумбек, Манкент, Маҳрам, Меркеда, Мингтут, Наманган, Нав, Найманча, Ўш, Паркент, Танғаз, Полвонтош, Пишпек, Сўзак, Сўлак, Сайрам, Султонрабат, Тўда, Тошкент, Тўқмоқ, Туркистон, Тўнгиз лав, Урганж, Ўзган, Учқўрғон, Ултарма, Хамир қўрғон, Чимкент, Чил маҳрам, Чортоқ, Шўр қўрғон, Шаҳбекбий, Яйпан, Янгикўғон, Ёрмозорда истиқомат қилганлар. Тожиклар эса Фарғона водийсининг шаҳарлари ва тоғли туманларидан ташқари яна Иқонда, Тошкент ва унинг атрофида, Паркентда, Пскентда, Чинозда яшашган¹⁴².

Қўқон хонлигида хон сулоласи ўзбекларнинг минг¹⁴³ уруғидан бўлиб, сарой аёнлари ва амалдорлар ўзбеклардан иборат бўлган (минг, сарой, тарғова, қипчоқ элатлари) эса-да, давлатда иш юритиш ҳужжатлари асосан форс тилида олиб борилган, лекин ўзбек тилида ҳам ёрлик ва иноятномалар ёзилган¹⁴⁴.

Рус тадқотчиси Н. Петровский ўзининг «Қўқон хонлиги очерклари»да хонлик аҳолиси ҳақида қуйидагиларни ёзади: « ... Ўрта Осиёда иккита асосий халқ – ўзбеклар ва тожикларнинг умумий табиати ҳар хил манбаларда таъкидланиб, хусусан, Гребинкиннинг мақоласидан бизга жуда яхши маълум. Қўқон хонлигида яшовчи бу халқларнинг шахсий хусусиятлари ҳозирча умуман номаълум. Ўзимдан қўшиб қўйишим мумкинки, географик жойлашуви жиҳатидан узоқ мусулмон шарқида ҳозирги Қошғарни эгаллаб турган оташпараст хитойликлар, тоғлик қабилалар, ёмон мусулмонлар ва деярли мусулмон ҳисобланмаган қирғизлар орасида Қўқон хонлиги имкониятга эга бўлмаган ёки Бухоро мисолидаги мусулмон жамияти ва давлати каби шаклланишга улгурмаган эди. Шунинг учун таъкидлаганимдек, Қўқон халқида бухороликларга хос бўлган ёлғон, яширинчилик, иккиюзламачилик, хушомад, риёкорлик – хўжақўрсин диндорлик ва шу каби қусурлар жуда ҳам кам...

Дин масаласида қўқонликлар бухороликлар каби худога берилиб кетмаган бўлса-да, уларда очиқ кўнгиллилик, диний бағрикенглик бор. Ижтимоий муносабатларда эса улар бухороликларга нисбатан ҳақгўй, очиқ, шахсий ҳаётда анча юмшоқ, оилам ва уйим-жойим дейдиган ва умуман айтганда очиқ кўнгил ва самимий одамлар. Хуллас уларда сартларнинг «пиёздек» сўзи

¹³⁷ Хорошхин А.П. Заметки о Кокане. // Русский инвалид. – №75 // Т.С. 23-том. – С. 43. Яна қаранг: Хорошхин А.П. Очерки Кокана / Сборник сататей касюйхся до Туркестанского края. СПб.: типография и хромофотография А.Траншеля, Стремянная, №12. 1876. – С. 42.

¹³⁸ Ўша жойда. – С. 3.

¹³⁹ Қаранг: Петровский Н. Очерки Кокандского ханства. – С.6-19.

¹⁴⁰ Ўша жойда.

¹⁴¹ Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожини. XIX – XX асрнинг бошлари. – Б. 75. А.П. Хорошхин «кўчманчи аҳоли чорвачилик ва ... қароқчилик билан машғул» деган. Қаранг: Хорошхин А.П. Очерки Кокана. – С. 42.

¹⁴² История Узбекистана. Том III. – С. 214-215.

¹⁴³ Қаранг: Гребенкинъ А. Мингъ. // Т.С. Том. 95. – С.331-336.

¹⁴⁴ Қаранг: Иванов П.П. Архив хивинских ханов. // Записки ИВ АН СССР. Т.7. 1939. – С. 9; Троцкая Л.А. Каталог архива кокандских ханов. – С.3.

ифодаланадиган хусусият камроқ. Сартни қанча билсанг ҳам унинг ичи пўсти очилган пиёз каби очик эмас, бир қават тагида яна бир пўсти бор.

Кўқон хонлиги аҳолисининг шу каби хусусиятлари бу хонликда қуллар бўлмаганлиги ёки Бухоро бозорларидек уялмасдан одам сотиш каби ҳолатлар бўлмаганлигини кўрсатади. Одам сотиш ҳолатлари яқингача Бухорода мавжуд эди, балки ҳозир ҳам бордир. Буни ўз кўзим билан кўрганман. Кўқонликлар ҳақида айтилган барча сўзларни бошқа ўрта осиеликларга нисбатан тушиниб, уларга Европача эмас, балки мусулмонча баҳо бериш керак ¹⁴⁵.

Хонликда яна қирғизлар, қипчоқлар ҳам истиқомат қилган. Улар Сирдарёнинг бошланиш жойларидан Балхаш кўлигача бўлган тоғли районлардан то Қашқар чегарасигача бўлган ерда, Еттисув, Талас водийси, Олой тоғлари, Бадахшон, Фарғона водийси ҳудудларида кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечирган.

Бундан ташқари, Фарғона водийсида қорақалпоқлар, Тошкент атрофларида 10 минг уйдан иборат бўлган қозоқлар, хонликнинг шарқий қисмида, Кўқон хонлигини Бухоро ва Россиядан ажратиб турадиган чўлларда эса кўчманчи қозоқлар яшаган.

Манбаларда таъкидланишича, XIX асрнинг бошларида қирғизлар, қалмоқлар, уйғурлар, қорақалпоқ ва қозоқ-қипчоқлар Хитой ҳукумати тазйиқи остида Шарқий Туркистондан Фарғона водийсига кўчиб келишга мажбур бўлишган ¹⁴⁶.

Шу билан бирга яҳудийлар хонликнинг барча шаҳарларида тарқоқ ҳолда сочилиб яшашган. Шунингдек, хонликнинг айрим шаҳарларида лўлилар, хиндлар, афғонлар ва Осиенинг бошқа халқлари вакиллари истиқомат қилишган ¹⁴⁷. Россия босқини ва Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топгандан сўнг хонлик ҳудудларига бошқа яҳудийлар ҳамда арманлар, бошқа миллатларнинг вакиллари ҳам келиб яшаган ¹⁴⁸.

Умуман олганда, XIX асрнинг биринчи ярмида, яъни Россия империяси босқинига қадар Кўқон хонлигининг ҳудудлари кенгайган ва аҳолисининг сони ўсган.

Хонлик ҳудудида асосан ўтроқ, қисман кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли яшаган. Аҳолининг кўпчилигини ўзбек ва тожикларлар ташкил қилиб, хонликда яна қирғизлар, қипчоқлар, қорақалпоқлар, қозоқлар, қозоқ-қипчоқлар, қалмоқлар, уйғурлар, форслар, араблар, хиндлар, афғонлар, лўлилар, Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топганидан сўнг руслар, яҳудийлар, арманлар ҳам яшаганлар.

II.2. ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО. СОЛИҚЛАР.

Хонлик хўжалик ҳаётининг асосини ташкил қиладиган соҳа деҳқончилик эди. Водийда сув манбаларининг етарли эканлиги деҳқончиликдан мўл-кўл ҳосил олишни таъминлаган. Хонликда XVIII асрга қадар ерларни суғориш учун сойлар ва жилғаларнинг сувларидангина фойдаланилган.

Кўқон хонлигида тлжу-тахт учун курашлар ва сиёсий тарқоқлик давом этишига қарамасдан, XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрда айрим туманларнинг суғориш тармоқлари қайта тикланган ва янгилари қазилган.

Хонликда ип ва ип-газлама ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши, бу маҳсулотларнинг Россия ва у орқали Шарқий Европа мамлакатлари бозорларида кўплаб сотила бошлаши, уларга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши суғорма деҳқончилик ерларини кенгайтириш ҳамда янги ерларни ўзлаштиришни тақозо этаётган эди.

Шунинг учун ҳам XIX аср Кўқон хонлиги, хусусан Фарғона водийсининг суғорилиши тарихида янги даврни бошлаб бердики, айнан шу даврдан бошлаб, водийда йирик суғориш иншоотлари, ариқлар, каналлар, тўғонлар курила бошлади. Масалан, Сирдарёнинг асосий ирмоқларидан бўлган Норин ва Қорадарёлардан сув оладиган Шаҳрихонсой канали, Наманган янги ариғи, Чинобод ариғи, Андижонсой ва бошқа суғориш тармоқларининг қазилиши Фарғона водийсида

¹⁴⁵ Петровский Н. Очерки Коканского ханства. // Вестник Европы. // ТС. Том 76. – С. 729-730.

¹⁴⁶ Толстова Л. С. Каракалпаки Ферганской долины (Ист.-этногр. очерк).–Нукус, 1959. – С.20; Бейсенбиев Т. К. Кўрсатилган асар. – С. 9.

¹⁴⁷ Вельяминов-Зернов. Сведения о Кокандском ханстве. // ВИРГО. Ч. XVIII. СПб., 1855 г. – С.109; Обозрения Кокандского ханства в нынешнем его состоянии // ЗРГО, кн. III, СПб., 1849 г. – С. 190.

¹⁴⁸ Қаранг: Губаева С.С. Населения Ферганской долины в конце XIX начале XX века: этно-культурные процессы. Тошкент: Фан, 1991. – С.130; Яна қаранг: Атаханов Ш. Цыгане Ферганской долины (историко-этнологическое исследование). Автреф. канд. ист. наук. – Т., 2005. – С. 26; Абдуллаев У. Межэтнические процессы в Ферганской долине (XIX – начало XX века). Автореф. докт. ист. наук. – Тошкент: Институт Истории АН Уз. 2006. – С.49. Яна қаранг: Абдуллоев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX – XX асрнинг бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 216 б.

суғориш тармоқларининг кўпайиши, суғориладиган майдонларнинг сезиларли даражада кенгайиши ҳамда деҳқончилик ва боғдорчиликнинг ривожланишига олиб келган.

Кўқон хони Олимхон ҳукмронлиги йилларида Фарғона водийсининг жанубий ҳудудларидаги сув таъминотини яхшилаш учун Сўх дарёсидан олти ариқ қазилган ва ҳозирги Олтиариққа асос солинган. Бу даврда Наманган воҳасида сув таъминотини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш учун Наманган вилояти ҳоқими Саййидқулбек Норин дарёсидан сув олувчи Янгиариқ каналини қуриш учун рухсат олди¹⁴⁹.

Янгиариқ каналининг қазилган йили ҳақида илмий тарихий манбаларда турлича маълумотлар бор. Чунончи, архив ҳужжатларида канал 1800-1803- йиллари қурилган деб ёзилган¹⁵⁰. А.Ф. Миддендорф¹⁵¹, С.Соатов¹⁵²лар уни 1803 йилда, В.П. Наливкин эса 1819 йилда¹⁵³ қазилган деб кўрсатади. XIX аср матбуоти саҳифаларида ҳам Янгиариқ канали 1803-1811-йилларда бунёд этилган, деб ёзилган¹⁵⁴.

Топограф Н.Жилин¹⁵⁵ ва архив маълумотларига таянган ҳолда канални 1800-1803 йилларда Олимхон даврида¹⁵⁶ қурилган деб таъкидлаш мумкин.

Умархон даврида, яъни 1811-йилда Янгиариқдан Заркент ва Ғирвон қишлоқларига қараб ариқ чиқарилган. Бу ариқ Фарғона водийсининг суғорма деҳқончилиги тарихига Мутаган ариғи номи билан кирган. Мазкур ариқ Заркент қишлоғининг қуйи қисмларидаги ерларни сув билан таъминлаган.

1813-йилида Наманган ҳоқими Қипчоқ Мирза Сирдарёнинг ўнг соҳилида бўш ётган ерларни ўзлаштириш учун Янгиариқ каналини узайтириб Қирғизқўрғонгача етказган. Унинг узайтирилиши Наманган шаҳрининг жанубий қисмида сув таъминотини яхшилади. Янгидан суғорилган ерларда маккажўхори, буғдой, арпа, полиз экинлари етиштирилган.

1819-йилда Кўқон хони Умархон фармони билан Янгиариқ канали яна узайтирилиб, унинг узунлиги 120 чақиримга етказилди. Янгиариқ канали қазилгандан кейин Наманган воҳасида 5 та сой, 195 та ариқ мавжуд бўлиб, улар орқали 131 та қишлоқ ва 45 та чорвадорларнинг қишлоқ ерлари суғорилган, сув таъминоти ва назорати билан 4 та мироббоши ва 66 та мироб шуғулланган¹⁵⁷.

Янгиариқ канали қурилиши билан Наманган воҳасининг сувга бўлган эҳтиёжи тўла ҳал этилмаган албатта. Чунки, Наманган шаҳри ва унинг атрофларидаги қишлоқларнинг сувга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш учун 337-340 тегирмон суви керак бўлгани ҳолда 1821-йилгача мавжуд 129 та қишлоқ ва 40 та қишлохоналар ҳамда 276та тегирмон суви билан таъминланган¹⁵⁸.

Шунинг учун ҳам 1819-1821-йилларда Наманган шаҳри ва унинг атрофларидаги қишлоқлар ва экин майдонларининг сув таъминотини янада яхшилаш мақсадида Назарўлмас қишлоғи яқинида Норин дарёсидан сув оладиган Хонариқ канали қазилган. Унинг сув сиғими 83 тегирмонга тенг бўлиб, Наманган шарқининг шарқий қисми ва атрофдаги 23 та қўшни қишлоқлардаги сув таъминотини яхшилаган¹⁵⁹.

Умархон даврида қурилган Шаҳрихонсой канали Шаҳрихон шаҳрининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ¹⁶⁰. У XVIII асрдан бошлаб қишлоқ тарзида маълум бўлган ва Асака, Ходим, Сегеза қишлоқлари билан бирга Аравонсой ва Оқбўранинг Аравонга қўшиладиган ғарбий тармоғидан суғорилган¹⁶¹. Кейинроқ, бу ерга Кўқон ва Марғилондан кўплаб аҳолининг кўчиб келиши, Шарқий Туркистондан келган 20 минг нафар муҳожирнинг жойлаштирилиши туфайли экин майдонлари ва суғориш иншоотларига бўлган эҳтиёжнинг кескин ортиб кетиши сабабли Умархон Оқбўра сувларининг Ўшдан ортган қисмини Андижонга ўтказмай, Аравонсойга ташлашга буйруқ берган¹⁶². Натижада Фарғона водийсининг Шаҳрихон воҳаси ерларини суғориш ишлари жадаллашиб

¹⁴⁹ Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. (XVI – середина XIX в.в.). – Москва, 1958. – С. 19-20.

¹⁵⁰ ЎзР МДА. 19-ф., 1-р., 290-иш, 13-вар.

¹⁵¹ Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.29.

¹⁵² Соатов С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув кўлланимлари. – Тошкент, 1973.–Б.28.

¹⁵³ Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. 1886. – С.29.

¹⁵⁴ Туркестанские ведомости. 1880, № 24. – С.94.

¹⁵⁵ Жилин Н. 1878 йилда Фарғона области ирригатори қилиб тайинланган. Қаранг: Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.217.

¹⁵⁶ Сагдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. I қисм. – Тошкент: Академия, 1997. – Б. 310.

¹⁵⁷ Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СПб., 1882. – С.30.

¹⁵⁸ ЎзР МДА. 19-фонд, 1-рўйхат, 290-иш, 22-вар.

¹⁵⁹ Ўша жойда. ЎзР МДА. 19-фонд, 1-рўйхат, 290-иш, 22-вар.

¹⁶⁰ Шаҳрихон шаҳрига 1815-йилда асос солинган. Шаҳар Умархон даврида барпо этилган. Шунинг учун ҳам хон шарафига бу шаҳар Шаҳрихон номини олган.

¹⁶¹ ЎзР МДА.И.- 19-фонд, 1-рўйхат, 653-иш, 10-вар.

¹⁶² Ж а л и л о в С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. – Тошкент: Фан, 1977.–Б.33.

кетган. Бу ҳудуддаги ерларни ўзлаштириш учун ҳатто Қўқондан бир гуруҳ маҳбуслар ҳам олиб келиниб, улардан алоҳида қишлоқ ташкил қилинган¹⁶³ ва унга «Доруломон» деб ном қуйилган.

Шаҳрихонсой 1811-йилда қурилган бўлиб, уни айрим китобларда «Наҳри Умархоний» деб тилга олинган¹⁶⁴. Шаҳрихонсой сувлари билан Фарғона водийсининг шарқий ҳудудлари, жумладан Қўрғонтепа, Жалолқудук, Ойим каби мавзелари суғорилиб, бу ҳудуддаги кенг майдонлар ўзлаштирилган. Ўзлаштирилган янги ерларда 1450 хўжаликдан иборат янги қишлоқларга асос солиниб, 250 минг танобга яқин (41-42 минг га. яқин) ерлар ўзлаштирилган¹⁶⁵.

1820-йили Марғилон ерларини суғориш учун Шаҳрихонсойдан¹⁶⁶ узунлиги саккиз чақирим бўлган Устамбоғ ариғи, Гуратепа ва Момохон мавзеларини суғориш учун Эшонбобо ариғи чиқарилди.

Қўқон хонлигида суғориш иншоотларини барпо қилишнинг маълум тартиб-қоидалари мавжуд бўлган. Суғориш тармоқлари ва уни қуриш ишлари икки гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳга ҳажм жиҳатдан кичик суғориш тармоқлари киритилиб, уларни қуришда асосан шу суғориш иншоотларидан фойдаланувчи қишлоқ аҳолиси иштирок этган ва уларга маҳаллий мутасадди кишилар, мироббошилар бошчилик қилган. Иккинчи гуруҳ суғориш иншоотларига ҳажм жиҳатидан катта ва йирик каналлар киритилиб, уларни бунёд қилиш ишларига хонликнинг турли вилоятларидан қазувчи – ҳашарчилар жалб этилган. Бундай иншоотлар қурилишига бевосита хон ёки унинг жойлардаги вакили бошчилик қилган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсида суғориш тармоқларининг ривожланишида муҳим роль ўйнаган омиллардан яна бири бу ерга муҳожир халқларнинг кўчириб келтирилиши бўлган. Хусусан, Муҳаммадалихон 1829-йилда Шарқий Туркистондан 70 мингга яқин ўйғурларни кўчириб келиб¹⁶⁷, уларни водийнинг шарқий туманларига, яъни Окбўра дарё водийсининг юқори қисми, Қуршоб водийси, Ўзган атрофлари, Кўгартсой водийсининг Жалолобод ва Сузоқ ҳудудлари Шаҳрихонсой, Ёзёвон, Андижон атрофларига жойлаштирган¹⁶⁸. Натижада бу ҳудудларда янги ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқлар барпо этилган.

Худоёрхон даврида хонлик ҳудудига қипчоқлар кўчиб келиб ўрнашган. Мусулмонқули бу ҳудудда қипчоқ уруғларининг мавқеини мустаҳкамлаш учун 1838-йилда қипчоқларнинг Қулон уруғи иштирокида Тентаксойнинг сўнгги қисми бўлган Тошпичансойдан янги ариқ чиқариб, икки сув орасининг жанубий томонлари ҳисобланган Урганжи, Майгир ва Жаҳнобод атрофларидаги тўқайзорларни ўзлаштирган.

XIX асрнинг 60-70 - йилларида Фарғона водийсидаги ўз даври учун улкан иншоот ҳисобланган Қўқон хонлигининг сўнгги даврида, яъни 1868-1871-йилларда қурилган Улуғнаҳр ариғи, баъзи олимларнинг таъкидлашича, Фарғона водийсидаги энг катта суғориш канали ҳисобланади¹⁶⁹.

XIX асрнинг 70 - йиллари охирида Қўқон хонлигида бўлиб ўтган сиёсий воқеалар натижасида канал қурилишига бағишланган ёзма манбалар жуда кам сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам уни қуришдан кўзланган мақсад тарихчи олимлар асарларида турлича талқин қилинади.

В.С.Батраковнинг ёзишича, канални қуришдан мақсад Андижоннинг шимолий қисмида жойлашган ерларни суғориш бўлиб, канал қурилиши Россия империяси томонидан Қўқон хонлигининг тугатилишига қадар давом этиб, у Ёз-Ёвонгача қазилган ва 1875-йилда фақат унинг ярми қуриб битказилган¹⁷⁰.

Тарихчи олимлар И.Пўлатов ва А.Мустафоевларнинг таъкидлашларича, Улуғнаҳр каналининг қурилишидан асосий мақсад хонликнинг пойтахти Қўқон шаҳрини сув билан таъминлаш бўлгани учун у Қўқон шаҳригача қуриб битказилган¹⁷¹. Бу каналнинг қурилиши билан илк бор Марказий Фарғона жануби – шарқий ҳудудидаги ерларни суғориш борасида қадам қўйилган.

Хонликда деҳқончилик экинларининг аксарияти Ўрта Осиё хонликларига хос бўлиб, ғаллачилик, боғдорчилик, сабзовот ва полиз маҳсулотлари етиштириш ҳамда ипакчилик яхши ривожланган. Донли экинлардан маккажўхори етиштириш кенг тарқалган бўлиб, у шаҳар ва

¹⁶³ Обзорение Кокандского ханства. – С.196.

¹⁶⁴ Мирзо Олим Мушриф. Ансоби ас-салотин ва таворих ал-хавоқин // Қўлёзма. ЎЗФАШИ №1312. –Б.21.

¹⁶⁵ ЎЗР МДА. И-25-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 92-вар.

¹⁶⁶ Ўша даврда Шаҳрихонсой каналининг узунлиги 101 чақирим бўлган. 1 чақирим – 1,06 км. га тенг.

¹⁶⁷ Сағдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. I қисм. – Б. 312.

¹⁶⁸ Семёнов А.А. Отношение Кокандского ханства к Кашгару. Рукописный фонд института истории и археологии. АН УзССР. инв. № 78. – С.18 (ҳозир бу қўлёзма юқолган).

¹⁶⁹ Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. – М., 1958.– С. 182.

¹⁷⁰ Батраков В.С. Характерные черты сельского хозяйства . Ферганской долины в период Кокандского ханства. // Труды САГУ. Нов. сер. вып. 62.кн. 8. – Ташкент, 1955. – С.120.

¹⁷¹ Пўлатов И., Мустафаев А. Из истории борьбы узбекского народа за воду // Учен. Зап. АГПИ.1955. Вып. II. – С.47.

қишлоқларда камбағалларнинг асосий истеъмол маҳсулотлари ҳамда мол озукаси ҳисобланган. Шунингдек, XIX асрга келиб хонликда пахтачилик соҳасига катта эътибор берилди бошлаган ва бу маданий ўсимлик экиладиган майдонлар ҳажми тўхтовсиз кенгайиб борган¹⁷².

Водий ғарбий қисмининг табиий шароити боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун жуда қулай бўлган. Жануби-ғарбий Хўжанд, Конибодом, Исфара, Сўх, Чимён, Риштон, худудлари асосан ўрик етиштиришга тўла ихтисослашган. Бу даврда бутун Фарғона водийсида тут дарахти кенг тарқалиб, у тоғ олди ва қадимги деҳқончилик воҳаларидан ҳисобланган Сўх, Исфара, Наманган, Аштда ипакчилик учун қадимдан ўстирилиб келинган¹⁷³.

Фарғона водийсининг тоғли худудлари, тоғ ён бағирлари ва адирларидан кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли қишлоқ ва яйлов учун унумли фойдаланган. Шу билан бирга бу худудлар баҳорги ва кузги лалми деҳқончилик учун қулай бўлган¹⁷⁴.

Хонликда ер ва сув ҳукмрон табақаларники ҳисобланиб, ерга эгаликнинг 4 тури мавжуд бўлган. Улар: 1. Хирож ерлар - ер эгаларининг хусусий ерлари; 2. Давлат ёки амлок ерлар – хонга қарашли ерлар, ўрмонлар, тўқайлар, йўлу-кўприклар; 3. Вақф ерлар - диний муассасаларга, яъни масжид, мадраса, мазорларга қарашли ерлардир. Бундан ташқари қишлоқ жамоасига тегишли ерлар, қўл ва адирлар ҳам бўлиб, улардан аҳоли умумий асосда фойдаланган¹⁷⁵.

Амлок хон ихтиёридаги ер бўлиб, у «замини хос», деб ҳам аталган ва ундан келадиган барча даромад хоннинг ихтиёрида бўлган. Бундай ерлар хон томонидан айрим гуруҳ ва шахсларга берилган. Ерни олган киши, уни ўз ҳисобидан суғориб, олган ҳосилидан хонга солиқ тўлаган ва бу солиқ миқдори хирождан¹⁷⁶ ортиқ бўлган¹⁷⁷.

Ерга эгаликда мулк, ижара, урғу, танхо шаклларида ҳам фойдаланилган. Мулк - бойларга қарашли бўлган хусусий ерлар бўлиб, улар деҳқонларга ижарага берилган. Ижара - муайян шартлар асосида бериладиган барча кўчмас ва кўчадиган мулк - ер, ариқ, тегирмон, тим, раста, улов ва бошқаларни ўз ичига олган мулк¹⁷⁸ шакли бўлса, урғу – мусодара қилиш йўли билан хон мулкига айлантирилган ёки гуноҳқорни қўлга олишда жонбозлик қилган шахсларга берилган ер ва бошқа мол-мулкдир¹⁷⁹.

Танхо – ҳукмдор томонидан алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга амлок ерлардан баъзиларини инъом этилиши сабабли пайдо бўлган мулк шакли бўлиб, бундай ерларда солиқ йиғиш ҳуқуқи танхо эгалари – танходорларга берилган. У ўзига берилган ер, бир нечта қишлоқ, ҳатто катта мулкнинг йиллик ёки ярим даромадини ҳадя сифатида олган. Баъзан киши бир умр танходор бўлган ва ўғли хон марҳаматига сазовор бўлса, танходорлик мерос тарзида давом этган. Ҳарбийларга танхо ёки хирож тақдим этилса, у тархон, деб аталган.

Хонликда меҳнаткаш аҳолининг турмуши оғир бўлиб, уларнинг кўпчилигида ер бўлмагани сабабли катта ер эгаларининг ерларида ишлаб кун кечирганлар. Ўз кучини сотиш эвазига тирикчилик қилувчи бундай деҳқонлар чоракорлар деб аталган. Ер эгасига ёлланиб, унинг от-улови ва иш қуролларидан фойдаланиб деҳқончилик қилган чоракор хирожга етиштирган ҳосилининг $\frac{1}{5}$ қисмини хирожга тўлагач, қолган ҳосилнинг $\frac{3}{4}$ қисмини ер эгасига топширган. Унинг ўзида ҳосилнинг $\frac{1}{4}$ қисми қолган. Агар чоракор пахта ёки оқ маккажўҳори экиб деҳқончилик қилган бўлса, юқоридаги чиқимлардан сўнг унга ҳосилнинг $\frac{1}{3}$ қисми қолган. Қишлоқ аҳолиси тирикчилик учун яна бошқа юмушларни ҳам бажарган¹⁸⁰. Масалан, ҳосил пишиб етилгунча эркалар мардикорлик, аёллар эса яйловларга чиқиб чорвачилик билан шуғулланганлар¹⁸¹.

Суғориш тармоқларининг мавсумий таъминоти деҳқонлар зиммасига юклатилган. Улар ҳашарларда иштирок этганлар, баъзан 15 кунгача ишлаб анҳор ва ариқлар қазиганлар.

¹⁷² Абдуллаев В.А.. Ўзбек адабиёти тарихи. – Б.93-94.

¹⁷³ Наливкин В.П. Очерки бытия женщин туземного оседлого населения Ферганской долины. – Казань. 1886. – С.132.

¹⁷⁴ Бейсембиев Т.К. Кўрсатилган асар. – Б. 62.

¹⁷⁵ Хаклиев В. Сельская община Северной Ферганы в конце XIX – начале XX вв. (историко-этнографическое исследование). Автореф. канд ист. наук. – Ташкент: Институт Истории АН узбекистана, 1998. – 27 с.

¹⁷⁶ Хирож миқдори – ҳосилнинг $\frac{1}{5}$ дан $\frac{1}{8}$ қисмигачани ташкил этган.

¹⁷⁷ Қаралсин: Податная система в Туркестанскомъ Крае //Голось. 1875. – №№134, 244, 250, 264, 294, 304. // ТС. Т. 152. – С.38-126.

¹⁷⁸ Троицкая Л.А. Каталог архива кокандских ханов. – Б. 347. // ЎЗМДА. И-1043. №№ 5,9,653, 659, 2000, 2457, 2458 ишлар.

¹⁷⁹ Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. – С. 104.

¹⁸⁰ Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. – Б. 32.

¹⁸¹ Қаранг: Хаклиев В. Сельская община Северной Ферганы в конце XIX – начале XX вв. (историко- этнографическое исследование). – 27 с.

Тадқиқотчи В.Наливкин ва М.Наливкиналар Қўқон хонлиги ҳудудида яшовчи аҳолининг турмуш тарзини ўрганиб, камбағал деҳқонлар, ҳаттоки майда олиб сотарлар томонидан ҳам таланади ва ўрта, қуйи табақа вакиллари деярли гўштли овқат истеъмол қилишмайди, деб ёзадилар¹⁸².

Қўқон хонлиги шаҳар аҳолисининг иқтисодий ҳаётида ҳунармандчилик ва касибчилик муҳим ўрин тутган. Узоқ ривожланиш тарихига эга бўлган Қўқон хонлиги ҳунармандчилиги ҳаддан ташқари ихтисослашган эди. Ҳунармандчиликда ҳатто буюмларнинг бир тури ва бирор қисмини ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар мавжуд бўлган. Буни айниқса тўқувчилик, темирчиликда кузатиш мумкин. Ҳунармандлар ўз касбининг сир-асрорларини мукамал ўзлаштирган моҳир усталари бўлиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини юксак санъат даражасига кўтара олганлар¹⁸³.

Ҳунарманд усталар ишлаб чиқарган маҳсулотларининг сифат даражаси юқори бўлишини таъминлашга ҳаракат қилишган. Бозордаги кескин рақобат эса уларни ўз касблари сирларини махфий сақлашга ундаган. Касб-ҳунарларнинг нозик жиҳатлари фақат фарзандлар, баъзан айримлари шогирдларгагина ўргатилган ва у шу йўл билан авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Қўқон хонлигида мамлакат пойтахти ва бошқа барча шаҳарлар аҳолисининг асосий қисми ҳунармандчилик ва касибчилик билан шуғулланган. Маҳаллалар ўзи ихтисослашган ҳунарига қараб махсус устахона, тим ва дўконларига эга бўлган. Буни шаҳарлардаги маҳаллалар ва кўчаларнинг номларидан ҳам кўриш мумкин¹⁸⁴.

Мамлакатнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларида ҳунармандчиликнинг ривожини бир хил бўлган бўлса-да, ишлаб чиқариш ўзининг айрим хусусиятлари, яъни маҳсулотнинг тури, сифати билан ажралиб турган. Ҳунармандчиликнинг темирчилик, заргарлик, тўқувчилик, дегрезлик, кулолчилик, мисгарлик ва бошқа тармоқлари¹⁸⁵ кенг ривожланган бўлиб, хонликнинг ҳар бир шаҳри муайян соҳада ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан донг таратган. Жумладан, Қўқон шаҳри заргарлик ва қоғоз ишлаб чиқариш, Шаҳрихон ва Чуст тикувчилик ҳамда темирга ишлов бериш, хусусан пичоқчилик, Мирғилон, Наманган ва Андижон эса ипак газламалари, Тошкент ўзининг тикувчилик, чўян, темир-мис маҳсулотлари билан шуҳрат топган¹⁸⁶. Хонлик ҳунармандчилиги ҳақида А.П. Хорошхин берган маълумотларга кўра, унинг эътиборга лойиқ соҳаси Наманган, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида атлас, шойи, адрас ва беқасам матоларининг ишлаб чиқарилганлигидир¹⁸⁷.

Усталар кўпчилик шаҳарларда, айниқса Қўқонда жуда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарганлар. Қўқонда тажрибали усталар кўп бўлиб, улар ўз маҳсулотларини санъат даражасига кўтарган ҳолда доимий буюртмачи ва мижозларга эга бўлганлар. Бу эса уста-ҳунармандларнинг доимий иш билан таъминланиб турганларидан далолат беради.

Айниқса, Қўқон ҳунармандлари ишлаб чиқарган газлама ва металл буюмлар анча сифатлилиги билан ажралиб турган. Қўқонда темирчилик маҳсулотларига талаб катта бўлган. Чунки улар жамият хўжалик ҳаётида алоҳида ўрин тутган ва бу маҳсулотлардан қишлоқ хўжалиги ҳамда уй-рўзғорда кенг фойдаланилган.

Хонликнинг бутун ҳудудида бўлганидек, Қўқон шаҳрида ҳам ишлаб чиқариш қўл меҳнатига асосланган бўлиб, асосий ҳунар хиллари ип ва ипак матолар тўқиш, оёқ кийими тайёрлаш, терига ишлов бериш, сопол идишлар тайёрлаш, темирчилик, эгар-жабдуғ ясаш, бўёқчилик, мисгарлик, заргарлик, дурадгорлик, аравасозлик, ҳарбий қурол ишлаб чиқариш, ўймакорлик, мум ишлаш, писта кўмир тайёрлаш, каштачилик, дўппиччилик, қалин томлар ёпиш ва шу кабилардир¹⁸⁸. Шунингдек, хонга қарашли порох ишловчи ва қоғоз тайёрловчи устахоналар ҳам бўлган¹⁸⁹.

Қўқон хонлигида ҳунарманд ва касибчиликнинг муҳим бир тармоғи бу қоғоз ишлаб чиқариш бўлган. 1871-йилда А.П. Федченко бу маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнини, яъни Қўқон қоғозини тайёрлашни ўз кўзи билан кўрган ва уни батафсил баён қилиб берган¹⁹⁰. Унинг хулосасига қараганда, Ўрта Осиёда фақат Қўқон шаҳрида қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бироқ, ўрганилаётган

¹⁸² Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения. – С. 33.

¹⁸³ Бобобеков Х. Қўқон тарихи. – Б. 110.

¹⁸⁴ Бобобеков Х. Қўқон тарихи. – Б. 110; Малицкий Н.Г. Ташкентские махалля и мауза. – С. 16.

¹⁸⁵ Қўқон хонлари архивида улар номма-ном санаб ўтилган. Қаранг: Т р о и ц к а я А.Л. Каталог архива кокандских ханов XIX века. М., 1968.

¹⁸⁶ Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. – Б. 83-85.

¹⁸⁷ Хорошхин А.П. Заметки о Кокане. // Русский инвалид. – № 75,75. // ТС. № 23. – С. 43.

¹⁸⁸ Бобобеков Х. Қўқон тарихи. – Б. 100.

¹⁸⁹ Обозрения Кокандского ханства в нынешнем состоянии. // ЗРГО. Кн. III. – СПб, 1849 г. – С. 11-12.

¹⁹⁰ Қаранг: Федченко А.П. Писчебумажная фабрика Оби джуваз в Кокане. Спб., 1874.

даврдда бу соҳа Россия саноати ишлаб чиқарган арзон фабрика қоғозларининг хонлик бозорларини эгаллаши натижасида бутунлай касод бўлган¹⁹¹.

Хонликда қуролсозликка ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу тармоқ шаҳар ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг обрўли соҳаларидан бири ҳисобланган. Қўқон шаҳрида замбараклар, милтиқлар, қиличлар, пичоқлар, ханжарлар, қалқонлар, найзалар ва бошқа ҳарбий аслаҳа-анжомлар тайёрланган.

Рус манбаларида ҳунармандчиликдаги асосий ишлаб чиқарувчи куч аёллар бўлганлиги айтиб ўтилади. Улар «пахта ва ипак йигириб, улардан нафис ва сифатли газламалар тўқиб, ўзи ва истеъмолчилар эҳтиёжлари учун кўйлак ва бошқа кийимлар тикишган. Эркаклар эса асосан кулолчилик, кўнчилик (терига ишлов бериш) ва оғир ишларни бажаришган»¹⁹².

Шаҳарларда ҳам асосий мол–мулк ҳукмдор табақалар қўлида бўлиб, майда савдогар ва ҳунармандлар бу ердан фойдаланганликлари учун маълум миқдорда ҳақ тўлаганлар¹⁹³.

Хонлик ҳунарманд-қосибчилиги серқирра ва мазмунан бой бўлиб, ижтимоий ҳолатига кўра ҳунармандлар икки: юқори ва қуйи табақаларга бўлинган. Юқори табақа вакилларига ўз устахонаси, меҳнат қуроллари ва хом ашёларига эга бўлган усталар кирган. Мулкдор табақалар қўлидаги устахоналар ва меҳнат қуролларидан фойдаланувчилар, юқори табақага кирувчи усталарнинг қўлларида кунбай ёлланиб ишловчилар, ҳаммоллар қуйи табақани ташкил этган.

Хонликда ҳунармандчилик ва қосибчилик ишлаб чиқаришини асосан пахтачилик, ипакчилик, чорвачилик тармоқлари ва ер ости бойликларини қазиб чиқариш соҳалари хом ашё билан таъминлаган. Ҳунармандчилик учун зарур бўлган хом-ашёлар хонлик ҳудуди ва четдан харид қилинган. Асосий хом ашёлардан бири бўлган олтин Сирдарёнинг юқори оқимидан, тадқиқотчи олим В.Вельяминов-Зерновнинг маълумотларига қараганда Қонсув дарёсидан олинган¹⁹⁴. Шунингдек, Косонсойдан, Қоратоғнинг шимолидаги Кукрев дарёсидан, Чирчиқ дарёси бўйларида, Бурчмулла ёнидан, Чотқол дарёсининг юқори оқимидан ҳам олтин олинган¹⁹⁵. Ҳунармандлар темир рудасини Олой тизма тоғлари этакларидан, кўрғошин ва бошқа маъданларни Қоратовдан қазиб олганлар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ер ости бойликларини қазиб чиқариш усуллари жуда содда ва кам ривожланган бўлиб, эҳтиёжни талаб даражасида қондира олмаган. Шунинг учун ҳам аксарият металллар Россиядан олиб келинган.

Мамлакат ҳудудлари юқорида кўрсатиб ўтилган қазилма бойликларидан ташқари бошқа ноёб маъданларга ҳам бой бўлган. А.П.Хорошхиннинг маълумотларига қараганда, савдогар Первушиннинг ишончли одами А.И. Хренников Қўқонга кетаётиб, Хўжанд йўлида ва Конибодом шаҳарчаси атрофида нефть топган. Ерли аҳоли ундан кўтир касалига дори ва пойафзал тайёрлашда фойдаланар экан. Рус олими А.И. Абдиев эса худди шу жойда олтингургурт конини топганини¹⁹⁶ ёзган. Бошқа манбаларда Сашғар ва Қамишқўрғон орасидаги дарада туз борлиги эслатиб ўтилган.

Чорвачилик ҳам мамлакат хўжалик ҳаётида асосий ишлаб чиқариш тармоқларидан бири бўлиб, у кўчманчи қирғиз қабилалари яшайдиган тоғли ва тоғ олди ҳудудларида, Тошкент воҳаси ҳамда Туркистонда кенг тарқалган. Хонликда чорвачиликнинг кўйчилик ва йилқичилик соҳалари яхши ривожланган.

Қўқон аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида савдо муносабатлари алоҳида ўрин тутиб, савдо-сотик ишлари ички ва ташқи соҳаларга бўлинган. Ички савдо ўтроқ дехқонлар, кўчманчи чорвадорлар ва шаҳар - қишлоқ ҳунармандлари ўртасидаги анъанавий маҳсулот айрбошлашга асосланган. Аҳолининг кундалик эҳтиёжлари ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар билан тўла таъминлаб турилган. Барча ички савдо чакана бўлиб, улгуржи савдо деярли бўлмаган.

Ҳунармандчилик ва қосибчилик савдо билан яқин алоқада бўлган. Ҳунармандлар аксарият ҳолларда ўз товарларини ўзлари сотганлар. Дехқон ва чорвадорлар эса ҳафтанинг муайян кунлари ўз молларини бозорда сотганлар. Шу билан бирга, хонликда олибсотарлик¹⁹⁷ ҳам кенг тарқалган.

¹⁹¹ Семенов А.А. О среднеазиатской бумаге // Известия отделения общественных наук АН Тадж. ССР. Вып. 1 (32). 1963. – С. 3-20; Хабибуллаев Н.Н. Коканд – центр производства бумаги // Позднефеодальный город Средней Азии. Т., 1990; Шу муаллиф. Ўрта Осиёда қоғоз ишлаб чиқариш тарихи. (Феодализм даври). Т., 1992.

¹⁹² Қаранг: БобобековХ. Қўқон тарихи. – Б. 100.

¹⁹³ Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. – Б. 93-94.

¹⁹⁴ Вельяминов - Зернов В. Сведения о Кокандском ханстве // ВИРГО. – СПб., 1856. – С.124.

¹⁹⁵ Тереньтев М.А. Россия и Англия в борьбе за рынки. СПб. 1876. – С. 50; Ванюков М.К. Опыт военного обозрения русских границ в Азии. СПб., 1873. – С. 345-346.

¹⁹⁶ Хорошхин А.П. Заметки о Кокане. // Русский инвалид. – №75 // ТС.№ 23. – С. 44.

¹⁹⁷ Мол савдосида уларни жаллоб, деб атаганлар.

Бозорлардаги нарх-наво бир хилда турмаган. У хонликдаги тинчлик-осойишталик, урушлар, об-хавонинг ёмон келиши оқибатида ҳосилдорликнинг пасайиши каби омилларга қараб ўзгариб турган.

Мамлакатнинг энг асосий савдо ва тижорат марказлари Қўқон, Тошкент, Марғилон, Андижон, Хўжанд, Наманган, Ўш, Ўратепа каби шаҳарлар бўлиб, улар орасида Қўқон нафақат хонлик, балки бутун Ўрта Осиёнинг савдо марказларидан бири ўрнида турган.

Қўқон бозорлари ўзининг товарларга бойлиги ва нарх-навонинг бошқа шаҳарларга нисбатан анча арзонлиги билан ажралиб турган. Шаҳарнинг деворлар билан ўралган катта бозорлари маҳаллий аҳоли ва четдан келган савдогорлар билан доимо гавжум бўлган. Потанин XIX асрнинг 20 йилларида Қўқонда олти бозор бўлганлигини қайд этган¹⁹⁸. Бозорлар якшанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ишлаган. Бу ерда қаттиқ назорат ўрнатилган бўлиб, харидор ҳаққига хиёнат қилувчилар қаттиқ жазога тортилганлар¹⁹⁹.

Қўқон хонлигининг иқтисодий ҳаётида ташқи савдо ҳам муҳим рол ўйнаган. Мамлакат ғарб ва жанубда Бухоро, Хива, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, шарқда Хитой (Қашқар орқали), шимолда Дашти қипчоқ кўчманчилари ва айниқса Россия билан кенг савдо муносабатларини ўрнатган. Манбаларда хонликка япониялик ва англиялик савдогарлар ҳам келганлиги кўрсатиб ўтилади²⁰⁰.

Ташқи савдо карвонларда товар олиб бориш ва олиб келиш йўли билан амалга оширилган. Хонликнинг савдо карвонлари қуйидаги йўналишлар бўйлаб қатнаган:

1. Қўқон – Бухоро савдо йўли. Бу йўл икки йўналишда марказий шаҳарларни кесиб ўтган. Уларнинг биринчиси, Қўқон - Беш ариқ – Маҳрам – Хўжанд – Ўратепа – Жом (Ём) – Робот – Жиззах – Самарқанд – Янгиқўрғон орқали, иккинчиси, Қўқон - Бешариқ - Маҳрам – Хўжанд - Ўратепа – Зомин - Жиззах – Самарқанд орқали ўтган ва савдо карвонлари 20-22 кунда Бухорога етиб борган²⁰¹.

2. Қўқон-Тошкент савдо йўлининг учта йирик йўналишлари бўлиб, биринчи йўналиш: Тилав ва Кандир довони орқали ўтиб, Тилолда икки шаҳобчага бўлиниб кетган. Бири Оҳангароннинг чап томонидан ўтиб, Курд орқали Бешкент, Тўйтепа ва Тошкентга борган. Иккинчиси эса Тилав ёнида Оҳангарондан ўтиб, Қорахитой қишлоғида иккига айрилган: бири Тўйтепага кетган, иккинчиси Қовардан Ниёзбек орқали Тошкентга келган. Бу йўл энг узун ҳисобланган ва ундан фақат сув тошқинлари вақтида, яъни Тўйтепадан Тошкентга юриб бўлмаган вақтларда фойдаланилган.

Иккинчи йўналиш: Қўқондаги Учтоғи орқали Работ (Уральск станцияси)да икки шаҳобчага бўлинган. Бири – Бишкент ва Тўйтепага, иккинчиси чапроқ юриб, Бўка, Жафон, Занги ота қишлоғи орқали Тошкентга келган.

Учинчи йўналиш: Қўқон ва Намангандан Тирс орқали ўтган йўл. У Чотқолдан юқори кўтарилиб, Қорабура дарасидан ўтиб, Авлиё отага борган. Унинг бир шаҳобчаси чапга йўналиб, Чимкент орқали Еттисув тоғи, Оқжар ва Қоплонбек билан Тошкентга келган. Бу йўлдан фақат ёзда фойдаланилган. Иккинчи шаҳобчаси Сайрам водийсидан Тилав орқали тоғдан ўтиб, Қўқонга борган. Аниқроғи бу Сайрам – Қўқон йўли бўлиб, у Сайрам водийсидан бошланиб, Еттисув - Оқжар - Дарбесикқопқа довони - Александровск тоғлари - Хўжанд кўприги орқали Чирчиқ дарёсидан ўтиб - Кучқўрғон - Хитойтепа - Қанжиғалдан ўтиб Тилавга борган ва катта Қўқон йўли билан шаҳарга кирган. Бу йўл орқали асосан қўй подалари Авлиё отадан Қўқонга олиб келинган²⁰². Тошкентдан Қўқонгача йўл 10 кунлик бўлган²⁰³.

3. Қўқон – Хива савдо йўлининг бир тармоғи Бухоро орқали ўтган. Иккинчи тармоғи Сирдарё бўйлари билан борган. Қўқондан Хивагача карвон ёзда бир - бир ярим ой йўл юрган.

4. Қўқон – Помир савдо йўли Кўлоб ва Қоратегинга ва у ердан Помир туманларига борган. Йўл давонлар орқали ўтган ва ёз мавсумида амал қилган.

5. Қўқон савдо карвонлари Афғонистонга Бухоро амирлиги ҳудудлари, яъни Термиз орқали бир - бир ярим ойда етиб борган.

6. Қўқон -Эрон карвон савдоси асосан Термиз ва Хирот орқали Машҳадга ўтиш йўли билан амалга оширилган. Шу йўл орқали Туркияга сафарга тинч ва осойишталик ҳолатларида икки ой сарфланган.

¹⁹⁸ Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина. Отд.отт. // Военный журнал. 1831. – №№4-5. – С. 281; Яна қаранг: Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. – С.199.

¹⁹⁹ Бобобеков Х. Қўқон тарихи. – Б.234-236.

²⁰⁰ Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. – Б.77-78.

²⁰¹ Бобобеков Х. Қўқон тарихи. – Б.120.

²⁰² Терентьев М.А. Статистические очерки. – Спб., 1874. – С. 113.

²⁰³ Петровский Н. Очерки Кокандского ханства. // Вестник Европы. // Т.С. Том. 76. – С. 729-730.

7. Кўқон савдо карвонлари Қошғарга Ғулжа орқали бир ой давомида йўл босган. Шунингдек, Кўқон хонлиги Қашқар орқали Ҳиндистон билан ҳам савдо-сотик муносабатларини амалга оширган;
8. Кўқон – Дашти Қипчоқ билан Тошкент, Сайрам ва Еттисув орқали савдо қилган;
9. Кўқон – Россия савдо йўллари Дашти қипчоқдан ўтиб, Омск, Томск, Оренбургга борган ва кулай иқлим шароитида олти ой вақт сарфлаган²⁰⁴.

Хонликдан чет элга асосан ипак ва ипак матолари, пахта, чарм, қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш, заргарлик буюмлари, қуритилган мевалар, кулолчилик ва бошқа маҳсулотлар чиқарилган. Чет элдан асосан чой, металл, чинни, уй-рўзғор буюмлари, тайёр газлама, кийим-кечак, пойафзал ва бошқалар келтирилган. Жумладан, хонликнинг савдогарлари Бухоро ва амирлик чегараларидаги шаҳарлар билан муваффақиятли савдо ишларини олиб борганлар. Икки давлатнинг савдогарлари савдода фаол қатнашиб, кўқонлик савдогарлар Бухоро амирлигига хўжалик ҳаётга зарур бўлган рус темири, чўян ва пўлатдан ясалган буюмлар, тамаки, рўмол, гуруч ва баъзи хитой ёки маҳаллий ипак газламалари, чой, чинни идишларни олиб боришган. Бухоролик савдогарлар эса Кўқонга ҳинд чойи, индиго, коленкор, харир, тарёк, бўёк, зардўзлик маҳсулотлари ва ип газлама олиб келишган. Рус чоти Бухоронинг Кўқон хонлиги билан савдосида алоҳида ўрин эгаллаган. У Оренбург ёки Петропавловскдан Казалинскка, ундан Бухоро, Самарқанд ва Хўжанд орқали Кўқонга олиб келинган. Шунингдек, хонликка Машҳаддан олиб келинадиган инглиз газламалари, оз миқдорда бўлса ҳам Қобулнинг тўн ва саллалари, ҳинд атторлик молларини ҳам келтиришган. Хонлик ва Бухоро ўртасидаги савдода аравалардан кенг фойдаланилганлиги бошқа жойларга нисбатан Бухоро билан кўпроқ товар айирбошлаш имкониятини яратган.

Кўқон ва Бухоро давлатлари ўртасидаги сиёсий низолар савдо алоқаларининг маълум муддат сусайишига олиб келсада, ўзаро савдо муносабатлари тўхтаб қолмаган.

Кўқоннинг Қошғар билан савдо муносабатлари худди Бухоро амирлиги каби бўлиб, Қошғардан Кўқонга афюн, чинни идишлар, кумуш, хитой ипак матолари, тола ва гиламлар олиб келинган.

Қозоқ жузларининг Россияга қўшиб олиниши ҳукмдор табақалар ўртасидаги ўзаро урушларнинг тўхташига сабаб бўлди ва бу ҳолат Ўрта Осиёнинг Сибирь, Урал, Волга бўйи билан савдо муносабатларига кенг йўл очди. Кўқонга қозоқ даштларидан Авлиёота орқали 10 минглаб қўй олиб келинган²⁰⁵.

Ўрта Осиё давлатлари қаторида Кўқон хонлиги ҳам Ҳиндистон билан мунтазам савдо алоқаларини олиб борган. Ҳиндистондан йилига Кўқон, Тошкент, Бухоро ва Қошғарга Қобул орқали 10 000 дан 15 000 туягача товар юборилган. Улар асосан ип газламалар, Кашмир рўмоллари, салла учун оқ сурп, шакар бўлиб, Кўқондан Ҳиндистонга асосан ипак газламалар, ипак, эчки жуни, отлар ва бошқа товарлар чиқарилган. Отлар савдонинг катта фойда келтирадиган манбаларидан бири бўлган. Бундан ташқари ҳар йили Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга 20 лак²⁰⁶ олтин олиб чиқилган²⁰⁷.

²⁰⁴ Қаранг: Аллаева Н. А. XVI – XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар. Тарих фан. ном. автореферати. – Тошкент: Ўзбекистон ФА тарих институти. 2007. – 25 б; Ғаффоров Ф. Россия билан Кўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар. XIX асрнинг биринчи ярми ва 60-70-йиллар. Тарих фан. ном. дис. – Тошкент: Ўзбекистон ФА тарих институти, 1969. – 226 б; Агзамова Г. XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти. Тарих фанлари доктори ... дис. – Тошкент: Ўзбекистон ФА тарих институти, 2000. – 348 б; Шу муаллиф. Среднеазиатские центры торговли и пути связывающие их с Россией. Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент: ИИ АН РУз., 1990. – 195 с. Шу муаллиф. О караванных путях из Хивы в Оренбург // Общественные науки в Узбекистане. – 1991. №12. – С. 43-48. Шу муаллиф. Сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва савдо. – Тошкент: 2000. – 52 б.; Бартольд В.В., Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие // Записки Российского Археологического Общества, №2. Т. 12, 1914; Бетгер Е.К. Самарский купец Данила Рукавкин и его караван в Хиву в 1753 г. // Известия АН Туркменской ССР. – 1952. – № 6. Отдельный оттиск. – С. 10; Веселовский Н.И. Прием в России и отпуск Среднеазиатских послов в XVII–XVIII столетие. – СПб., 1884; Гладышев Д., Муравин. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740-1741 гг. поручиком Оренбургского драгунского полка Дмитрием Гладышевым и геодезистом Муравиным. Издана с приобщением современной карты Миллерова пути от Орска до Зюнгорских владений и обратно Я.В.Ханыковым. – СПб., 1851; Гулямов Х.Г. Средняя Азия и Россия: истоки формирования межгосударственных отношений (начало XVIII века). Ташкент: Университет. 2005. – С.118; Матвеев А.М. Из истории выходцев из Ирана в Средней Азии во второй половине XIX – начале XX в. // Иран. Сборник статей. – М., 1973. – С. 195-214; Мукминова Р.Г. Традиции взаимосвязей по шелковому пути в позднефеодальный период // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути (Очерки истории и культуры). – Ташкент, 1990. – С. 117-125.; Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. Тошкент: Академия, 2008. – С.187-215.; Сафаров Т. Т. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Ўрта Осиё савдо йўллари. Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент: ЎЗМУ. 2009. – 176 с.; Худойқулов Т. XIX асрда Кўқон хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти. Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент: ЎЗМУ. 2009. – 170 с.

²⁰⁵ Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. – С. 119. Яна қаранг: Мадрахимов З. Кўқон хонлигида савдо муносабатлари. Тарих фан. ном. дисс. автореферати. – Тошкент: ЎЗ ФА Тарих институти. 2009. – С. 21.

²⁰⁶ Лак- пул бирлиги ўлчови. Бир лак юз мингга тенг.

²⁰⁷ Гейнс А.К. Собрание литературных трудов. I. II. СПб, 1888. – С. 532-534.

Ҳиндистон савдогарлари хонликдаги шаҳарларда яшаб тижорат ва ҳатто судхўрлик билан ҳам шуғулланганлар²⁰⁸.

Хонликнинг ташқи савдо алоқаларида Қўқон-Россия савдо муносабатлари алоҳида ўрин тутган²⁰⁹. 1758-1853-йиллар давомида товар экспорти 174000 дан 2171000 кумуш рублга, импорт эса 37000 дан 676000 кумуш рублгача ошган²¹⁰. Рус савдогарлари аввал 100 фоиз, кейинчалик 70, 50 фоиз миқдорида даромад олганлар²¹¹.

1854-йилда В.В. Вельяминов-Зернов Россия-Қўқон савдо муносабатлари ҳақида шундай деб ёзган эди: «Қўқон мутлақо саноатсиз мамлакат, унинг атрофидаги халқлар у билан тенг даражада ёки ундан ҳам паст даражада ривожланган. Унинг кўшнилари ичида Россиядан бошқа бирорта ҳам ривожланган мамлакат йўқ. Бу ҳол эса биз учун жуда қулайдир. Равшанки, Қўқон маҳаллий имкониятлар билан ўзининг зарурий эҳтиёжларини қондира олмайди. Агарда у бирор ердан товар олмоқчи бўлса, фақат биргина Россиядан олиши мумкин»²¹².

1861-йил 19-февраль ислоҳоти ва крепостной ҳуқуқининг бекор қилиниши натижасида рус саноатининг жадал ривожлана бошлаганиги, ҳам ашё базаси ва ташқи бозорга бўлган эҳтиёжнинг янада кучайганиги Россиянинг Қўқон бозорини фаол эгаллаб, ундан чексиз фойдаланишининг асосий сабабларидан бири бўлган. Генерал-майор Черняев ҳам рус савдогарлари манфаатларини кўзлаб: «Менинг фикримча, ... аввало бизнинг савдогарларимиз, уларнинг ҳаёти ва товарлари учун хавфсизликни, эркин, ҳар қандай тўсиқларсиз савдо қилиш имкониятини таъминлаш лозим. Бу шароитларни таъминласак, савдогарларга тегишли барча масалалар, маъмурият аралашмасдан, ўз-ўзидан ҳал бўлаверади», - деб ёзган эди²¹³.

Черняевнинг маълумотига қараганда, Россиядан Қўқонга темир, мис, пўлат, чўян ва темир буюмлар, чит ва сифатсиз газмоллар, оз миқдорда бахмал, шакар, фаянс косалар, ойналар, чарм, Россияга тобе бўлган козоқ чўлларида кўйлар ва унинг териси, чарм ва чарм маҳсулотлари, кигиз олиб келинган²¹⁴.

1864-1865-йиллардаги Тошкент босқинидан олдин тошкентлик савдогарлар Россия билан савдо алоқаларининг камайишидан афсусланганликлари ҳақида Абу Убайдуллоҳ Тошкандий, Муҳаммадсолиҳ Тошкандий, Муҳаммаднунус шиғовуллар ўз асарларида маълумот берганлар²¹⁵.

Хонликдан Россияга асосан пахта олиб чиқилган. Агар 1840-1850-йилларда 18119 рубллик пахта олиб кетилган бўлса, 1862-йилда 160000 рубллик, 1866-йилда 324136 рубллик, 1867-йилда эса 1344400 рубллик ҳам ашё олиб кетилган. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгандан сўнг хонлик ҳудуди аста-секин ҳам ашё базасига айланиб борган.

1867-йили Оренбург ва Сибирь божхоналари ҳам Тошкентга кўчирилган. 1868-йилда бож тўловлари борасида Туркистон генерал-губернатори ва Қўқон хони ўртасида савдо шартномаси тузилган. Унга кўра, рус савдогарлари кўплаб имтиёзларга эга бўлганлар. Улар Қўқон хонлигининг исталган шаҳар, қишлоғида ўзларига омборхона, карвонсаройлар қуриш, савдо-сотик масалалари билан шуғулланувчи агентлар юбориш ҳуқуқига эга бўлганлар. Аслида бу агентлар рус разведкасининг жосуслари сифатида ҳам фаолият юритганлар²¹⁶.

Мазкур шартномага биноан Қўқонга олиб келинадиган ёки бу ердан Россияга олиб кетиладиган товарлардан Туркистон ўлкасида тўланадиган бож миқдори товар нархининг ярим фоизига тенглаштирилган. Яна кўшни мамлакатларга бораётган рус савдо карвонларига Қўқон хонлиги ерларидан бож тўламасдан ўтиш имтиёзи берилган ва уларнинг хавфсизлиги хонлик зиммасига юклатилган²¹⁷. М.А. Терентьев: «Мавжуд барча бозорлардан Қўқонни батамом ўзимизники, деб айта оламиз»²¹⁸, -деганда шуларни ҳисобга олган бўлса керак.

²⁰⁸ Тетеревников А.Н. Очерки внутренней торговли Киргизской степи. // ТС. Т. 396. – С.16; Гейнс А.К. О податях и сборах в Коканском ханстве. / Собрание литературных трудов. Т. II. Спб., 1899. – С. 519.

²⁰⁹ Гаффоров Ф. XIX асрнинг биринчи ярми ва 60-70-йилларда Россия билан Қўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар. – Тошкент, 1970. – 170 б.

²¹⁰ Исторический опыт торговли со Средней Азией // Туркестанский сборник. Т. 378. – С. 98.

²¹¹ Янжул И. Исторический опыт торговли со Средней Азией // Туркестанский сборник. Т. 375. – С. 96.

²¹² Қаранг: Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. – Б. 122.

²¹³ РМДХА. Ф. 1442. 19-руйхат, 3- вар; Маълумот Ҳ. Бобековнинг «Қўқон тарихи» асаридан олинди. – Б. 68.

²¹⁴ Тоиб. Тарихи Аликули амирлашкар. // Шарқ юлдузи. 1995. – №№1–2.

²¹⁵ Ўша жойда. – № 2. – Б. 222.

²¹⁶ Бобобеков Ҳ. Кўрсатилган асар. – Б. 123; Вельяминов - Зернов В.В. Исторические известия о коканском ханстве, отъ Мухаммеда-Али до Худояръ-Хана. // ТС. Т. 372. – С.154-172^а.

²¹⁷ Наши торговые договора с владениями среднеазиатских ханств. // Московские ведомости, 1868. – № 277.

²¹⁸ Терентьев М.А. Россия и Англия в борьбе за рынок. – Спб. 1876. – С. 49.

Кўқон хонлиги Русия билан тижорат битимини имзо қилганидан сўнг икки томонлама савдо муносабатлари ривожлана бошлади. Кўқон тожирларидан Мирза Ҳаким рус савдо доираларида маълум ва машҳур эди. 1868 йил сентябрь ойида у император олдига юборилган элчиларнинг бошлиғи бўлди. Мирза Ҳаким Туркистонда ҳам машҳур бўлиб, янги тожирлар табақасининг намоёндаси эди. У 70-йилларда генерал-губернатор хузурида хоннинг вакили сифатида туриб, Русия орденлари билан тақдирланган. А.П.Хорошхин яна Мирза Олим тожир ҳақида маълумот бериб, уни савдо ва тижорат табақаларининг ёрқин намоёндаси ўрнида тилга олган²¹⁹. Пахта тижорати 70-йилларда Миралибой Хўқандий кўлига ўтди²²⁰.

Кўқон тарихчиси Муҳаммадҳаким бин Муҳаммадризо Марғиноний XIX аср охирлари ва XX аср бошларида яшаб тижорат ва хайру саховат ҳамда ҳомийлик билан шуғулланган савдогарлар ҳақида ажойиб маълумотларни келтиради. Масалан, Марғилон шаҳрида яшаган тижоратчилар таърифланган «Тарихи Азий» китобининг муаллифи шундай ёзади: «Марғилонда маъруфу машҳур бўлган тужжорлардан биринчи Исмоил Махзум лақаби Карнай Махзум. Кўп саховатли, ҳурматли киши, масжидлар, мадраса ва авқоф (вақф)лар қилган. Қорихона ва мактабхоналар бино қилган. Катта бозордаги Хиштин мадрасасини ҳам шу худо раҳматли бино этиб, ёнига ҳаммом солиб унга вақф қилган. Иккинчи Муҳаммадиброҳимбой, учунчи Мир Салимбой, тўртинчи Муҳаммадкаримбек, бешинчи эски марғилонлик Ҳожи Азимжонбой, олтинчи Мулло Охунжон бой ҳожи, еттинчи Бобоёр Мирзо Салимбой сўфи ўғли, саккизинчи Мулло Муҳаммадшариф Мирзо. Яна Маржонқизбой эски марғилонлик, ўғиллари Мулло Мусожон ва Абдулложон. Кўқонда Олимжонбой, ўғиллари Солижонбой. Улар яхши ҳаммага ниҳоятсиз мақбулият топган, кўп маъруфу машҳур бўлган, саховатпеша ва фуқаро халқига муруватли. Қирқ-эллик минг сўм пули мусулмонларга сарф бўлса гўшаи хотирига келмайдурган, турфа сахий ва хушатвор, бева бечораларга кўп закот ва эҳсон қилувчи, аммо ўзи кўп донишманди пурдон кишидур ...²²¹.

Собиқ Кўқон хонлиги ҳудудларидан Тошкент, Туркистон, Ўратепа, Хўжанд, Ўш ва бошқа шаҳарларда ҳам тижорат аҳли ижтимоий ҳаётда катта ўрин эгаллаганликлари табиий ҳол эди.

«Кўқоннинг катта тожирлари аврупча уйлар қуриб уни жиҳозлар билан безатишарди. Рўзгорларида ойна, самовар, печка, мизкурсийлардан фойдаланардилар». Тижорат билан ҳамма «муллалар, имомлар, мударрислар, эшонлар, қозилар, амлоқдор ва оқсоқоллар – алқисса кимдаким кўшимча пули борлар машғул бўлардилар» – деб ёзган эди Кўқонда бўлган А.О.Гребенкин.

Аммо майда савдогарлар, дўкондор кишиларнинг даромадлари кам бўлиб, тирикчиликларига зўрға етарди. 1868 йилдан кейин Русия фабрикаларида ишлаб чиқарилган арзон моллар кўпиб ва хунармандларни касод қилиб, кўпгина хунар ва касбларнинг йўқ бўлишига сабаб бўларди. Хонликнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига сармоядорлик муносабатлари тобора барча ижобий ва салбий истиқболи билан кириб келарди.

XIX асрнинг 70-йилларида Кўқон ва Россия савдо муносабатлари янада кенгайиб борган. Буни 1870-йилда Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфманнинг Фармонига биноан Россия ва Ўрта Осиё савдо муносабатларини ривожлантириш ва савдогарларни истеъмолчилар билан яқинлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида очилган савдо ярмаркасининг товар алмашинуви ҳақидаги маълумотларида ҳам кўриш мумкин. Агар ярмаркага 206039 рубллик пахта келтирилган бўлса, шундан 90152 рубли, 17007 рубллик ипакдан 14614 рубл миқдоридаси Кўқондан олиб келинган²²².

Кўқон хонлиги ва Россия савдо муносабатларининг кенгайиб бориши бир томондан қишлоқ хўжалиги айрим тармоқларининг ривожланиб, рус маданиятининг баъзи жиҳатларини аҳоли турмуш тарзига кириб боришига олиб келган бўлса, иккинчи томондан мамлакат Россиянинг хом ашё базаси ва ташқи савдо бозорига айланиб борди. Россия билан савдо алоқалари хонлик қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган бўлса, рус саноати товарларининг кириб келиши маҳаллий хунармандчилик ишлаб чиқаришини инқирозга юз туттирган ва унга ҳалокатли таъсир кўрсатган. Россия саноат корхоналарининг маҳсулотлари фақатгина маҳаллий хунармандларга салбий таъсир кўрсатмаган, балки бошқа давлатлар, жумладан Хитой чинни маҳсулотларини ҳам рақобатда сиқиб чиқара бошлаган. Рус фабрика ва заводлари Ўрта Осиё бозорларини махсус маҳсулотлар билан танъминлай бошлади. Ҳаттоки чинни идишларда араб ёзувидаги безаклар пайдо бўлган ва уларни маҳаллий савдогарлар ҳам муваффақият билан сотганлар.

²¹⁹ Хорошхин А.П.Отрывки из дневника в Кокане. – С. 54.

²²⁰ Гребенкин Ъ А. Мингъ. // ТС. Том. 95. – С. 1872, 2, 26

²²¹ Тарихи жаҳонамойи, 86^а-87^б.

²²² БобобековХ. Кўқон тарихи. – Б.87.

Шаҳарларда асосий савдо шаҳобчалари ҳукмдор табақалар қўлида бўлиб майда савдогарлар бу ердан фойдаланганликлари учун маълум миқдорда ҳақ тўлаганлар²²³. Савдогарлар орасида Россия ва Шарқий Туркистон билан тижорат қилувчи тадбиркорлар кўпроқ даромад қилганлар.

Қўқон савдогарлари XIX асрнинг ярмида Русия ярмаркаларида бўлиб, хонликка кўп молларни сотиб олиб келардилар. Хонлик бозорларида ҳар хил расталар, тимлар, дўкону саройлар бўларди. XIX асрнинг 60-йилларида Тошкент бозорларида 16 та карвонсарой, 2400 дўкон бўлиб, 30га яқин расталари бор эди. Хўқанд бозорида 5 та карвонсарой, Ўратепада 3 та, Қўқон бозорида 1841 йили 6 та карвонсарой ўз дўконлари билан фаолият кўрсатарди.

XIX асрнинг биринчи ярмида хонлик даромади маҳсулот ва пулдан иборат бўлиб, улар асосан солиқлар ундириш йўли билан ҳосил қилинган. Солиқ ва мажбуриятлар хонликнинг барча шаҳар ва қишлоқларида деярли бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Мамлакатда мавжуд солиқларни жорий этилишига кўра тўрт турга: биринчидан, шариат қонун-қоидаларига биноан белгиланган асосий солиқлар, иккинчидан, расмий, учинчидан, урф-одат ва тўртинчидан фавқулодда солиқларга бўлиш мумкин.

Шариат қонун-қоидалари асосида жорий этилган асосий солиқлар: хирож²²⁴, ушр²²⁵ ва закотдир²²⁶. Дехқончиликда донли экинлар экиладиган ерлардан олинадиган солиқ - хирож деб аталган. У ҳосилнинг 1/5 қисмини ташкил этиб, 5 қоп ғалланинг 1 қопи миқдорида ундирилган. Солиқнинг бир қисми маҳсулот, бир қисми эса пул билан тўланган²²⁷.

«Ушр ерлари» - «замини ушри» деб юритиладиган ерлардан ҳосилнинг 1/10 қисми миқдорида ушр солиғи руҳонийлар фойдасига ундирилган.

Закот – товардан олинадиган савдо солиғи – ёки ҳайвонлар ҳисобидан олинадиган солиқ бўлиб, сармоянинг 1/40 қисмини ташкил қилган. Хонликнинг савдогарлик сармоялари аниқ маълум бўлмаган. Шунунг учун шароитга қараб сармоядан закот олинган. Мамлакатда чорва молларидан ҳам қирқдан бир улуш ҳисобида закот олингани маълум. Архив ҳужжатларида анъанавий закотдан ташқари - бўрдоқи закоти, элотия закоти, саркарда (қўшин учун) закоти, чакана закоти (соҳиби насоб эгаси бўлмаган шахслардан олинган) каби закотлар бўлган²²⁸.

Хонликда жорий этилган танобона, хонсолиқ, карвонлардан чегара ёки махсус белгиланган шаҳарларда, Сирдарё кечувидан олинадиган бож тўловлари, туз божи, бозорларда савдогарлардан, хон маблағига қурилган барча иншоотлардан олинадиган солиқ ва яна бошқалар расмий солиқларга кирган²²⁹.

Дехқончиликда донли экинлар экиладиган ерлардан ғалланинг бешдан бир қисми хирож сифатида олинган бўлса, боғдорчилик, сабзавотчилик, поллизчиликда солиқ экин экиладиган ер майдонининг ҳажмига қараб таноб солиғи олинган. Таноб - 1 таноб²³⁰ ерга белгиланган солиқ бўлиб, унинг миқдори 5 қўқон (1 рубль) ни ташкил этган²³¹.

Хонсолиқ - йилига ҳар бир ҳовлидан олинадиган солиқ бўлиб, у 4–5 қўқонни ташкил этган²³². Шунини таъкидлаб ўтиш керакки Қўқон хонлигида шаҳарлардан олинадиган солиқлар ундаги ҳовли-уйлар сонига, хунарманд-аҳли етиштирган маҳсулот тури ва дўконларига нисбатан белгиланган. У уй-жойлар, дўконлар ва ишхоналарнинг сонига қараб йирик сонларда белгиланган ва тайинланган солиқ оқсоқоллар томонидан оилалар ўртасида тақсимланган.

Урф-одат солиқларига тўй маросимларидан, мерос тақсимлашдан, тарозидан, дарёдан ўтиш учун соллардан, қирғиз ва қозоқларнинг молларидан (товарнинг 0,2 % миқдорида) олинадиган ва шунга ўхшаш солиқлар кирган²³³. Хонликда булардан ташқари яна ҳар турли фавқулодда солиқлар

²²³ Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. – Б. 93-94 .

²²⁴ Хирож – ер солиғи.

²²⁵ Ушр -ўндан бир қисм дегани, ислом уламолари фойдасига олинадиган солиқ тури.

²²⁶ Закот – тозаланиш. Ислом жамоасидаги камбағаллар фойдасига соҳиби насоб мусулмонлардан ўз ихтиёрлари билан берилиши керак бўлган солиқ. Бироқ хонликда бу солиқ хон хазинаси фойдасига олинган.

²²⁷ Хорошхин А.П. Заметки о Кокане. // Русский инвалид, № 75,75. // ТС. Том. 23. – С. 41; Аристов Н. Наманганский округ Коканского ханства. (Из показаний одного выходца в 1871 г.). // ТС. Том. 60. – С.139-140; Кун А.Л. Очерки Кокандского ханства. // ИРГО. 1876. – Том. VIII. 1877. – С.59-70.

²²⁸ Ўз МДА., И-1043-фонд, рўйхат, 655, 656, 653, 1993, 2414-дело. – Б.23-24.

²²⁹ БобобековХ. Қўқон тарихи. – Б.126; К у н А.Л. Очерки Кокандского ханства. 1877. – С. 5-6.

²³⁰ Таноб – экин майдонини ўлчаш учун ишлатиладиган юза бирлиги. 1 таноб 3600 м².

²³¹ Аристов Н. Наманганский округ Коканского ханства. (Из показаний одного выходца в 1871 г.). // ТС. Том. 60. – С.139-140; Кун А.Л. Очерки Кокандского ханства. – С. 59; Податная система в Туркестанскомъ Крае. // Голось. 1875. №№134, 244, 250, 264, 294, 304. // ТС. Том. 152. – Б.38-126.

²³² Аристов Н. Наманганский округ Коканского ханства. (Из показаний одного выходца в 1871 г. – С.139-140.

²³³ БобобековХ.Қўқон тарихи. – Б.126.

ҳам мавжуд бўлиб, у тилла пули ва мис пули²³⁴, улов пули²³⁵, алаф пули²³⁶, нафсона²³⁷ муштак²³⁸, кафсан²³⁹, яксара²⁴⁰ ва уруш йилларида жорий этиладиган бошқа солиқларни (масалан улов пули) ўз ичига олган.

Хирож ғалладонларидан ва танобона солиқлари боғ ва полиз зироатларидан олинарди. Ҳокимлар ҳатто экилмаган ерлардан ҳам деҳқонларни эзиш йўли билан хирож олардилар. Қўқон хонлигида хирож баъзан бутун ҳосилнинг ярмигача олинарди. Хонликда кейинчалик хирож ва таноба ҳам пул билан тўланарди. Шунинг учун «таноб пули» деган солиқ ҳам чиқди. Худоёрхоннинг учинчи маротаба хон бўлиши даврида ўнлаб солиқларни ўйлаб чиқдилар. Хирож ҳам, танобона ҳам баъзан йилига икки маротаба олинарди. Халқ закотдан ташқари кўшимча миробона (суғориш учун), аминона, кўк пули, кўш пули (кўш учун), яксари (от пули, байтал пули) 2 танга, (сигир пули, буқа пули), қалъа пули, муҳрона, улов пули (ҳарбий солиқ), чўппули, сомон пули, мерос тарақасидан (?) пул, никоҳ пули, тегирмон пули, жувоз пули, бозорларда «жой» пули, руҳонийлар учун «ушр» ёки «дахяк» берарди. Деҳқон ҳосилини йиғиб хирмондан хирожни тўплагандан сўнг, сартарош ҳақи, мулла ҳақи, темирчи ҳақи, этикдўз ҳақларини бериб қарздор бўлиб қоларди.

Хонликда одамлар яна бир мажбурият, яъни ҳашарларда иштирок этишлари керак эди. Баъзи жойларда деҳқонлар 15 кунгача ҳашарларда ишлаб, анҳор ва ариқлар қазиб, хон ва ҳокимлар ишларини бажариб берардилар.

Қўқон шаҳри хонлик пойтахти бўлгани учун солиқдан йиғилган даромад асосан шу ерда тўпланган. Хонлик аҳолисидан йиғилладиган солиқлар ундирилишига кўра икки турга, яъни хоссачи ва беклик солиқларига бўлинган. Хон хазинасига келиб тушган солиқлар - хоссачи, бек хазинасига тушган даромад – беклик деб аталган. Солиқлар аҳолининг қайси беклик тасарруфида бўлишига қараб ўша бекнинг ихтиёрида қолган. Бек хон оиласига яқин бўлишига қараб кўп ҳолларда алоҳида имтиёзларга эга бўлган.

XIX асрнинг биринчи ярмида натура ва пулдан иборат бўлган хонлик даромадининг бир қисми бекликлар томонидан кўшин сақлаш ва бошқа мақсадлар учун сарфланган. Қолган қисми эса хон хазинасига келиб тушган.

Хон ихтиёридаги ерлар «замини хос» деб аталиб, ундан келадиган барча даромад хоннинг ихтиёрида бўлган. Хон хазинасига тушадиган солиқларнинг деярли барчаси Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлардан йиғилган. Четдан хон ихтиёрига фақат товар ва ҳайвонлардан йиғилладиган закот, Сирдарё кечувидан олинадиган бож, туздан, хоссачи жойларидан, хон маблағига қурилган барча иншоотлардан олинадиган солиқ, тўй маросимларидан ва мерос тақсимидан йиғилладиган солиқлар тушган. Бож олиш меҳтар зиммасида эди²⁴¹.

Хонликда солиқлардан озод қилинган, яъни «мулки хур» ерлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг эгалари бўлган саййид, хўжалар катта шайх ва эшонлар бўлган. Улар хоннинг иноятномалари асосида барча солиқлардан озод қилинган. Архив ҳужжатлари бу ҳақда кўплаб маълумотлар беради²⁴².

Шунингдек, хонзода ва тўралар, эшонлар, баъзи қози, раис, амин, дарвеш ва суфийлар ҳам таноб солиғидан озод қилинган. Бу ҳақда ҳам архивда юзлаб ҳужжатларни кўриш мумкин²⁴³. Хонликда солиқларни йиғиш тартиби манбаларда унчалик аниқ ёзилган эмас. Солиқлар алоҳида амалдорлар томонидан йиғилган. Уларнинг бошлиғи меҳтар бўлиб, меҳтар – «катта» маъносини англатади. У хоннинг саройдаги хос маҳрами, хон отхонасининг ҳамда закотчилар бошлиғи бўлган. Солиқ ва тўловлар хонликда саркорлар ва закотчилар томонидан йиғиб олинган ва катъий назорат остида хон саройи ёки бек ўрдасига топширилган²⁴⁴.

Хирож кўшдан²⁴⁵ йиғилиб, бир кўшга уч-беш ботмон ғалла экилган. Хирож йиғиш саркор, баъзан бек ёки танобчи томонидан топширилган бўлиб, бу мансабга тайинланган саркор ўзига

²³⁴ Тилла ва мис конларидан олинарди.

²³⁵ От, эшак, туя ва хачирлардан олинган.

²³⁶ Беда экиладиган майдон учун тўланадиган танобона солиқ.

²³⁷ Деҳқонларнинг туман бошлиғи учун тўлайдиган солиғи.

²³⁸ Деҳқонларнинг қишлоқ оқсоқоли учун тўлайдиган солиғи.

²³⁹ Деҳқонларнинг солиқ йиғувчилар учун тўлайдиган солиғи.

²⁴⁰ Бир жуфт хўкиз ёки от учун бир ботмон буғдой баробарида олинган.

²⁴¹ БобобековХ. Қўқон тарихи. – Б.126; ХорошхинА.П. Очерки Кокана. – С. 48.

²⁴² Троицкая А.Л.Каталог архива Кокандских ханов. №1092-1929. – С. 105-295.

²⁴³ Ўша жойда. – С.173-284.

²⁴⁴ Қаранг: Троицка я А.Л.Каталог архива Кокандских ханов.1092-1929-сонлар. – Б. 105-295.

²⁴⁵ Бир мавсум давомида бир жуфт хўкиз билан ишлаш.

ёрдамчилар сифатида котиб, мироб, амин, оқсоқолларни ёллаган. Ёрдамчилар (туғача²⁴⁶) ёз давомида экин майдонларининг ҳажми ва эгаларини аниқлаганлар. Ўрим - йиғим мавсуми келганда махсус назорат ҳайъати тузилган. Ҳайъат солиқлар миқдорини белгилаган ва саркор бек тасдиғини олган. Етиштирилган ҳосил учун белгиланган ҳажмдаги солиқни сўзсиз тўлаш шарт бўлган.

Солиқ масаласида вақф ерлари икки турга, яъни «оқ вақф» ва «қора вақф»ларга бўлинган. Солиқдан озод қилинган вақфлар ҳужжатларда «оқ вақф», давлатга солиқ тўлаганлари эса «қора вақф» номи билан қайд қилинган²⁴⁷. Танҳо ерларида солиқ йиғиш ҳуқуқи танҳо эгалари – танходорларга берилган.

XIX асринг биринчи ярмида Умархон ва Муҳаммадалихон даврларида олиб борилган солиқ сиёсати Худоёрхон даврига келиб талон-торожликларга айланиб кетган. Хонлик ҳудудларида бўлган Н. Петровский: «Қўқон хонлигининг ... ҳукмдори Худоёрхон юқорида айтиб ўтилган иккита халқ (тожиклар ва ўзбеклар – Ш.В.) ардоқлаган инсонларнинг ҳеч бир фазилатларига эга бўлмаган. Шунинг учун ҳам халқ муҳаббатини қозона олмаган, ҳаттоки яқинлари ва ҳамфикрлари ҳам унга содиқ бўлмаган... Шариат ва урф-одатлар, қонуний солиқларга тўймаган Худоёрхон ҳар йили солиқнинг янги турларини ўйлаб чиқарарди. Бозорга чиқарилган ҳар бир нарсага солиқ солинса ҳам, хонга бу камлик қилар эди. Шунинг учун у дорбозларнинг ўйинларига, айиқ етаклаб юришга, сеҳргарларнинг чиқишларига ҳам солиқ солиб қўйди», - деб ёзган эди²⁴⁸. «Бизда ҳамма нарсага, ўзимиз кўриқлайдиган дўконларни кўриқлаш учун ҳам, бозордаги жойимиз учун ҳам, вақтинчалик юк билан тўхтаб ўтсак ҳам, зулук сотиб олсак ҳам, ўтин сотсак ҳам солиқ солинади «- дея гапириб берди менга бир қўқонлик,- дейди у. – Хоннинг ишларига минглаб одамлар ҳайдаб чиқарилади. Ишчиларга на овқат ёки пул беришар, балки улардан пул ҳам ундириб олишар эди. Ва худо кўрсатмасин, кимдир ишдан бош тортса, уларни иш жойининг ўзидаёқ ерга тириклайин кўмишар эди»²⁴⁹. Худоёрхон яна «сарбозлик», яъни мажбурий ҳарбий хизматни ҳам жорий қилган эди²⁵⁰.

А.П. Хорошхин Худоёрхон давридаги солиқ сиёсати ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: «Фақат ... тутунга солиқ солинмайди. Агар уруш бўлса ёки хон билан бек хоҳлаб қолса аҳолига ақл бовар қилмайдиган ҳажмда солиқ солинади. Ундан қишлоқ ёки маҳалла оқсоқоли ҳам, солиқчи ҳам, бек ҳам, хон хазиначиси ҳам ўз улушини олади. Хон эса ўзи айтган рақам билан чегараланади. Ўзи айтган нарса унга тўлиқ етказилса бас... Лекин бу жараён қандай амалга оширилишини у ё биллади, ёки билмайди»²⁵¹.

Ҳукмрон табақалар деҳқонлардан ҳатто экилмаган ерлардан ҳам хирож ундирганлар. Хирож баъзан бутун ҳосилнинг ярмигача олинган. Хонлик тарихининг охириги даврларига келиб хирож ва таноб солиқлари ҳам пул билан олина бошлаган. Шунинг учун «таноб пули»²⁵² деган солиқ ҳам чиққан.

Бу даврда айниқса, чорвадор аҳоли хоҳлаганча талон-торож қилинган. Хусусан, кўчманчилар ўз подаларининг 1/20 қисмини хонга беришга мажбур қилинган²⁵³. Масалан, биргина Туркистондаги кўчманчи қозоқлар ҳар йили 700 тилладан хонсолиқ тўлаганлар²⁵⁴.

Абу Убайдуллоҳ Тошкандий ўзининг «Хулосат ал-аҳвол» асарида солиқлар, хирож ва закот олишда ҳокимлар ва закотчиларнинг оддий халққа нисбатан жабр-зулм ҳамда зўравонлик қилганликларини мисоллар билан кўрсатиб берган. Жумладан, у Тошкентга бекларбеги бўлган Мирзо Аҳмад парвоначи/қўшбегининг бу масалада чегара билмаганлиги, унинг бу сиёсатидан Дашти қипчоқ аҳолиси норози бўлиб, қўзғолон кўтарганлиги ва ҳатто «бундай мусулмон ҳокимдан кофирлар яхши», деб русларни ҳар йили бир манзил ичкарига олиб кирганлигини таъкидлайди²⁵⁵. Чунки, Мирзо Аҳмад Тошкентга бекларбеги бўлган 1854-йилнинг февралдан – 1858-йилнинг ёзигача солиқлар миқдори тўрт баробар ошган. У қўшпули²⁵⁶ ва кўкпули²⁵⁷ солиқларини тўлашни талаб қилган, қозоқларни ўз болаларини сотишга мажбур этган. Мирзо Аҳмад найранг ишлатиб,

²⁴⁶ Гейнс А.К. Кўрсатилган асар. – С. 172.

²⁴⁷ Набиев. Из истории Кокандского ханства. – С.102.

²⁴⁸ Петровский Н. Очерки Кокандского ханства. – С. 741-745; Муҳаммадазиз Марғилоний. Тарихи Азизий // Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, Д.Сангилова. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 43.

²⁴⁹ Петровский Н. Очерки Кокандского ханства. – С. 741-745.

²⁵⁰ Аристов Н. Наманганский округ Коканского ханства. (Из показаний одного выходца в 1871 г.) – С.139-140.

²⁵¹ Хорошхин А.П. Очерки Кокана. – С. 41.

²⁵² Таноб пули – ҳар бир таноб беда майдони учун йилига 40 танга миқдорида ундирилган.

²⁵³ Набиев Р.Н. Кўрсатилган асари. – Б. 122-123.

²⁵⁴ Тетеревников А.Н. Кўрсатилган асари. – Б. 32.

²⁵⁵ Абу Убайдуллоҳ Тошкандий. Хулосат ал-аҳвол// Ўз ФА ШИ, 2084 –рақам, 166^б – 167^а.

²⁵⁶ Қўшпули – ердан олинандиган солиқ.

²⁵⁷ Кўкпули – экинзорлардан олинандиган солиқ.

кўчманчи аҳолини ҳар йили борадиган яйлов ва қишлоқларига қўймай, уларга бошқа ерларга боришни буюрган. Масалан, Авлиёота атрофидаги қозоқлар жамоасига Чимкентга кўчиб боришлари ҳақида фармон берган. Бу фармонни бекор қилиш учун жамоа оқсоқоллари тўрт минг тилло йиғиб, Мирзо Аҳмаднинг яқинларига берганлар²⁵⁸.

Ёки, Мирзо Аҳмад Авлиё ота бозорида бирор жамоа бошлиғини тутиб олиб, «...Сизнинг жамоангиз 5000 тилло қарздор, ҳозир шу маблағни топиб берасиз», деган талаб қўйган. Агар бермаса жазолаш билан қўрқитиб, унга шу бозордаги бирор дўкондордан қарз олиб, қарзини тўлашни тавсия қилган. Дўкон эгаси Мирзо Аҳмад унга олдиндан бериб қўйган пулни фоизи билан жамоа бошлиғига қарзга берган. Бу маблағдан кунига 300 танга фойда тушган. У агар қарз вақтида тўланмаса, ҳар кун ортиқча 100 тангадан олишларини талаб қилиб, буйруқ ҳам берган. Мирзо Аҳмад хонга деб, аҳолининг яхши отларини ҳам тортиб олган. Бечора халқ солиқларини тўлай олмай ўз мол-ҳоллари, ҳатто фарзандларини ҳам сотиб, пулини закотчиларга берган. Закотчилар қарздор бўлган жамоа аъзосининг қарзини жамоа аҳлига баробар бўлиб берганлар ва уни тўлашга мажбур қилганлар²⁵⁹.

Мирзо Аҳмадга қарши халқ нафрати ва норозилиги ошиб борган. Закотчилар халқдан қўрқиб, хирож ва солиқ олиш учун катта қўшин билан борганлар. 1857-йилда Меркада (Авлиёота атрофида) аҳолидан закот тўплаш вақтида Мирзо Аҳмад номидан келган тўрт нафар ясовул аҳолидан зўрлик билан ортиқча солиқ олган. Уруғ - жамоа оқсоқоллари маслаҳатлашиб, ортиқча солиқларни бермай қўйганлар ва унга қарши кўзғалганлар²⁶⁰. Натижада, 1857-йилда Жанубий Қозоғистон ерларида кўзғолон бошланган. Бу кўзғолонга Худойберган ибн Бойит баҳодир бошчилик қилган. Исёнчилар ҳамма закотчиларни тутиб олиб, ҳар бирини алоҳида овулга гаров сифатида олиб борганлар. Чимкентга юборилган Мирзо Аҳмаднинг жияни Мирзобий сергили, қўнғирот ва бошқа қабилалар қўшини томонидан тутиб ўлдирилган. Кўзғалган халқ қозоқларни бостириб жазо бермоқчи бўлган Мирзо Аҳмадни қўшини билан Авлиё ота қалъасида қамал қилган. Уни халқ қамалидан Худоёрхон юборган, Маллахон ва Шодмонхўжа бошчилик қилган қўшин қутқариб олган²⁶¹.

Хонликда жорий этилган ҳаддан ташқари оғир солиқ ва тўловларга қўшимча равишда оддий халқ яна турли ҳашар ишларини, айниқса, ҳукмрон табақаларнинг хизматларини бепул бажаришга мажбур қилинган.

1800-йилда Тошкентга келган тоғ техниклари Поспелов ва Бурнашевларнинг берган маълумотларига қараганда, Тошкентнинг юқори табақа вакиллари «қорақозонлар», деб ном қўйиб олган қарам деҳқонларни ўзларининг ерлари ва боғларида ишлаб беришга мажбур қилганлар. Қорақозонлар мажбурий ишлардан бўшаганларидан кейингина ўз ерларида ишлай олганлар²⁶².

Фарғонадаги деҳқонларнинг аҳолини махсус ўрганган А. Миддендорф хонликда қадимдан баршчина²⁶³ қўлланиб келинган ва вақф ерларини ишловчи деҳқонлар крепостной эдилар, деган хулосага келган²⁶⁴.

Солиқ, тўлов, мажбуриятларнинг ҳаддан ошиб бориши натижасида жойларда халқнинг норозилиги ортиб борган, мамлакатдаги ижтимоий – сиёсий вазият кескинлашган ва у давлатнинг сиёсий инқирозини таъминлаб берган²⁶⁵.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Кўқон хонлиги XIX асрнинг биринчи ярмида ўзининг худуди жиҳатидан Маразий Осиёда энг катта давлат тузилмаларидан бири бўлиб, унинг чегарали шарқда Талас водийси ва бугунги Қирғизистон, Қозоғистон, Шарқий Туркистон, Шимолда қозоқ жузлари ва Сирдарё қуйи оқими, ғарбда Жиззах ва Ўратепа, жанубда Туркистон тоғлари ва Тожикистоннинг Дарвоз ва Помир мулкларидан ўтган.

Хонлик худудидаги Кўқон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Хўжанд, Ўратепа, Андижон, Наманган, Ўш ва бошқа шаҳарлар мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказлари бўлган.

Хонлик аҳолисини туркий ва эроний халқлар ташкил қилиб, улар ўтроқ ва кўчманчи, ярим кўчманчи тарзда ҳаёт кечирганлар. Водий ва шаҳарларда муқим яшаётган ўзбеклар ва тожиклар деҳқончилик, уй чорвачилиги, ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланган бўлса, кўчманчи ва ярим кўчманчи қипчоқ, қирғиз, қозоқ ва бошқа туркий халқлар асосан чорвачилик билан, баъзилари эса аста-секинлик билан ўтроқ бўла бошладилар.

²⁵⁸ Абу Убайдуллоҳ Тошкандий. Хулосат ал-аҳвол. 160^а-167^б.

²⁵⁹ Ўша жойда. 162^а, 162^б, 163^а, 163^б, 165^а.

²⁶⁰ Тарихи жаҳоннамой, 242^{а, б}.

²⁶¹ Абу Убайдуллоҳ Тошкандий. Хулосат ал-аҳвол. 165^а, 262^а.

²⁶² Қаранг: Вестник Русского географического общества. Т. I. Книга 1. – СПб, 1851. – С.76.

²⁶³ Қарам деҳқоннинг катта ер эгалари ерини ишлаб бериши.

²⁶⁴ Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С. 191-460.

²⁶⁵ БобобековХ.Кўқон тарихи. – Б.125.

Хонлик хўжалигининг асосини суғорма деҳқончилик ташкил қилган. Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида сув манбаларининг етарли эканлиги деҳқончиликдан мўл ҳосил олиш имкониятини яратган. Фарғона водийси, Тошкент, Хўжанд, Ўратепа ва уларнинг атрофларида суғорма деҳқончилик, тоғ олди ҳудудларда лалми деҳқончилик ривожланган. Экинларнинг аксарияти Ўрта Осиё хонликларига хос бўлиб, ғаллачилик, боғдорчилик ва полизчилик яхши ривожланган, ипакчилик кенг ёйилган. XIX асрга келиб, деҳқончиликда пахтачилик соҳасига катта эътибор берилди бошлаган ва пахта майдонлари ҳам тўхтовсиз кенгайиб борган. Пахтанинг асосий харидори эса Россия бўлган.

XIX асрда хонликнинг хўжалик ҳаёти асосан ерга эгалик муносабатлари, суғорма деҳқончилик, ҳунармандчилик, косибчилик ва чорвачиликдан иборат бўлган. Хонлик иқтисодий ҳаётида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан бир қаторда ҳунармандчилик, чорвачилик ва савдо ҳам муҳим ўрин тутган.

Хонликнинг асосий бойлиги ер бўлганлиги учун ҳосилдор ерларнинг аксарияти давлатники ҳисобланган. Хонликда ер эгалиги муносабатлари анъанавий тарзда давом этиб, ерга эгаликнинг давлат ёки амлок, хирож, вақф, жамоа, мулк, ижара, урғу, танҳо шакллари мавжуд бўлган. Ернинг асосий қисми хон, унинг оиласига тегишли бўлган. Мамлакатда ерга эгалик, хўжалик ҳаёти, шаҳарлар ва ҳудудларининг бошқаруви ҳукмрон сулола, юқори табақа вакиллари ва йўлбошчи қабилалар бошлиқларининг қўлида бўлган.

XIX асрда хўжаликнинг ихтисослашган соҳаларидан бири бу ҳунармандчилик бўлиб, унинг тўқимачилик, кулолчилик, темирчилик, мисгарлик, дурадгорлик ва бошқа турлари мавжуд бўлган. Ҳунармандчилик соҳаси хонликнинг Қўқон, Тошкент, Андижон, Марғилон, Ўш, Хўжанд, Туркистон каби шаҳарлари ва айрим қишлоқларида яхши ривожланган.

Улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг асосий қисми ички бозорларда, бир қисми кўшни давлатлар ва Россиянинг ярмарка ҳамда бозорларида сотилган. XIX аср ўрталарида хонлик бозорларида Россияда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари жадал кўпайиб борган. Бу арзон маҳсулотлар маҳаллий ҳунармандларга катта зарба бериб, кўпгина ҳунармандларни касодга учрата бошлаган.

Чорвачилик ҳам мамлакат ҳаётида асосий ўрин тутган соҳа бўлиб, сахро, тоғ ва тоғ этаклари аҳолиси бу соҳа билан шуғулланган. Кўчманчи қирғиз қабилалари яшайдиган тоғли ҳудудларда, Тошкент воҳаси ҳамда Туркистонда яхши ривожланган. Қўйчилик ва йилқичилик чорвачиликнинг энг ривожланган соҳаларидан бўлган.

Хонликдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлигига қарамай мамлакат кўшни давлатлар билан қизгин савдо-сотик муносабатларини олиб борган. Ташқи савдода фарғоналиклар асосан Хитой (Шарқий Туркистон), Ҳиндистон билан, Хўжанд, ўратепаликлар эса Бухоро амирлиги, Афғонистон билан, Тошкент воҳаси савдогарлари эса қозоқ ҳудудлари ва Россия билан, Сирдарё бўйларидаги шаҳарлар эса Бухоро ва Хива давлати билан кенг савдо алоқалари олиб борганлар.

Мамлакат иқтисодий ҳаётида алоҳида ўрин тутган савдо марказлари бўлган Қўқон, Тошкент, Андижон, Чимкент, Ўратепа, Марғилон, Ўш, Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Сайрам, Туркистон каби шаҳарлар ички савдо тараққиётини белгиловчи асосий омил ҳисобланган. Бу шаҳарларнинг бозорлари маҳаллий ва четдан келтирилган маҳсулотлар билан тўлиб – тошган. Метал ва фабрика буюмлари Россиядан келтирилган бўлса, Хитой ва Ҳиндистондан чой маҳсулотлари ва бошқа товарлар кириб келган.

XIX асрнинг бошларидан бошлаб хонлик савдогарлари ташқи савдода Россия билан муносабатларни кенг йўлга қўйганлар. Натижада Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нафақат маҳаллий ҳунармандлар балки бошқа мамлакатларнинг товарларини ҳам сиқиб чиқара бошлаган. Айниқса, 1868-йилда имзоланган Россия-Қўқон савдо шартномасидан сўнг хонлик ҳудудларида рус савдогарларининг фаолияти янада жонланган.

Қўқон хонлигидаги давлат даромадлари солиқлар йиғиш орқали кўлга киритилган. Мамлакатда шарият қонун-қоидаларига биноан белгиланган, расмий, урф-одат ва фавқулодда солиқлар тизими жорий этилган. Хонликда солиқлар маҳсулот ва пул шаклида ундирилган. Аҳоли зиммасига солиқлардан ташқари яна турли мажбуриятларни ҳам бажариш юклатилган. XIX асрнинг ўрталарига келганда асосий солиқлар билан бир қаторда кўплаб майда солиқлар ва мажбуриятларнинг ҳам жорий этилиши аҳолининг тинка-мадорини қуритиб, хўжалик ҳаёти ва ижтимоий барқарорликни издан чиқарган.

II. 3. ИЖТИМОЙ ҲАЁТ.

XIX асрнинг 40-йилларидан бошлаб Кўқон хонлигининг ижтимоий ва хўжалик ҳаётида инқироз юз бера бошлади. Ўзаро урушлар, сиёсий жиҳатдан нотинчлик, Бухоро ва Русия кўшинларининг хужумлари халқ аҳволини оғирлаштириб, ер ва сув муносабатларини бузиб, давлатни кучсизлантирди.

Сиёсий беқарорлик, хон ҳукуматининг кучсизлиги, маҳаллий ҳокимларнинг хонга қарши чиқишлари, кўчманчи халқларнинг марказий давлат билан зиддиятлари, бу хонликнинг ҳам атрофдаги буюк давлатларнинг ўзаро можаро объектига айланиши ҳаётнинг барча соҳаларини оғирлаштирди.

Давлат бошқарувида хон энг олий ҳукмдор бўлса ҳам, узоқ муддат бу қудратдан фойдаланмади. Хонликда хон оиласи ва авлодлари ўртасида тахт ва мансаб учун курашлар кўп бўларди. Сохта хонлар эса уларни юзага келтирган ҳар хил гуруҳлар қўлида ўйинчоқ эдилар. Мингбошилиқ мансаби қабила ва уруғлар пешволари, гуруҳлар катталари учун уруш ва қаршиликларга сабаб бўларди.

Хон унвонидан сўнг олий унвон ва мансаблар: ҳарбий вазифа, ҳарбий-маъмурий, сарой мансабларига, сарой маъмурий, диний ва диний-қозихона мансаб ва унвонларга бўлинарди.

Кўқон давлатининг асосчилари мингия қабиласининг пешволари бўлиб, улар дастлаб ўз номларига «бий» унвонини қўшган бўлсалар, кейинчалик Олимхон ўзини «хон» деб эълон қилди. Умархон эса 1818 йили амир (ал-мўминин), олий ҳам маъмурий ва диний унвонини олди. Унинг ўлимидан сўнг (1822 й.) «хон» унвони қайта тикланди.

Хон ўзининг саройи (Ўрда²⁶⁶)га эга бўлиб хонлик худудида шундай унвон ва мансабларни, вазифа ва мартабаларни жорий этди. Ҳарбий унвонларнинг олий мартабаси: мингбоши, ботир (баҳодир)боши, қўшбеги, понсодбоши. Ўрта мартабали мансаблар: юзбоши, элликбоши, ўнбоши, қоровулбеги. Энг паст ҳарбий унвонлар: сарбоз, мерган, маҳрам, баҳодир (ботир), тўпчи, занбарчи, кўрчи, қоровул. Лашкарда яна ошпазлар, қассоблар, ноғорачилар, карнайчи, сурнайчи, дафчи, кувс, ва духулзан, туғчилар хизмат қилардилар.

Юришлар ва жиҳод пайтларида халқ ўртасидан «қора-калтакчилар» (оламон) тузиб жангга олиб боришарди. Ҳарбийларнинг элликбошидан мингбошигача хос маҳрамлари ҳам бор эди. Понсодбошидан юқоридаги ҳамма бошлиқлар яна мунший ва мирзаларни ўз хизматларига олардилар. Олий ва ўртача ҳарбий унвонлар ҳамда мансабларга минг, қипчоқ, қирғиз, тожикларни тайинлардилар. Кўқон ҳарбий бошлиқларидан Мусулмонқул мингбоши, Алимқул, Қаноатшоҳ, Шодмонхўжа қипчоқ, Мирза Аҳмад қўшбеги, Ўтанбий қўшбеги, Гадойбий, Мингбой понсодлар машҳур эдилар. Хонликда XIX асрнинг 70-йилларида баъзи мансабдорларнинг харажатлари давлат томонидан қуйидагича аниқланган эди. Саккиз мингга яқин баҳодир-аскарлар йилда ҳар бири 20 ботмондан ғалла ва 50 танга, Чухрағосилар (1000 киши) 25 ботмон ғалла ва 60 танга пул олардилар. Оталик 2000 ботмон ғалла ва 2000 танга йиллик маош оларди. Александр Кун парвоначи, додхоҳ, эшикоғоси, қоровулбеги ва бошқа унвонлар эгаларининг йиллик харажатлари ҳақида маълумот берган. Фақатгина ҳарбий амалдорлар учун марказий ҳукумат 1,5 миллион сўмга яқин маблағ ҳарж қилар экан²⁶⁷.

Сарой ва маъмурий унвон ва вазифалар қуйидагича эди: (олий мартабаси), Оталик, бекларбеги (хонзодалар), бий (қабилалар бошлиқлари), девонбеги, хазиначи, иноқ, саркор, эшикоғоси, парвоначи, додхоҳ, дастурхончи, шарбатдор, офтобачи, қоровулбеги (саройники), тунқатор, қўшбеги, (Ўрта мартабали унвонлар) китобдор, рисолачи, жамъоға, баковул, мирзабоши, сармунший, қўшбеги: меҳтар, закотхона меҳтари, мирохур, шиғовул, салом оғоси, мирзо, мунший, сурнайчи, карнайчи, чопқунчи, жарчибоши, шотир, удайчи, зинбардор, лажомдор, фаррошбоши, доруғабоши (вилоятларда) – саройнинг паст мартабали вазифаларидан ҳисобланарди.

Александр Кун маълумотида қараганда, қушбеги (мир шикор)дан пастдаги мансабдорлар хон қабулига ва рикоб аҳлига қўшилишлари ман этилган эди²⁶⁸.

Диний мансаб ва унвонларнинг ҳам ҳар хил мартабалари бор эди. Шайх ул-ислом, хўжа калон, халифа, аълам, шайх, охунд, судур, ўроқ-олий; нақиб, мавло, мударрис, домудла, имом, имом-хатиб – ўрта мартабали: имоми жилов, муаззин, суфийи жилов – паст мартабали диний мансабларга кирарди.

²⁶⁶ Кўқон шаҳридаги Худоёрхон ўрдаси унинг учинчи хонлик даврида қўрилган. Эски ўрда 1870 йили бўзиб ташланди ва у Султон Саййидхон ўрдаси ёки Эски ўрда номи билан маълум. Унинг ташқи кўринишини рус рассоми Верещагин чизмаси орқали билиш мумкин (сурат китоб муқовасида келтирилган)

²⁶⁷ НабиевР. Н. Из истории Кокандского ханства. (Феодальное хозяйство Худояр-хана). – С. 262.

²⁶⁸ Кун А. Очерки Кокандского ханства // ЗРГО, XII, 1, 1876, 68.

Манбаларнинг маълумотига қараганда, шайх ул-ислом, хўжа калон, халифа, нақиб судур, ўрок мансабларига маҳаллий халқ намоёндаларини кўтарардилар²⁶⁹.

Маҳкама ва қозихоналарда вазифалар шундай тақсим бўларди. Қози ал-кузот, қози калон, қози мутлоқ, қози раис (қўшинда аскария муфтиси фатволари бажарилишини назорат қиларди), қози, қозий жилов (хон рикобида), аълам, муфтий, муфти аскар, таракачи, аламон (қосид маъносида), миршабхона садри, миршаб ва мулозим (оддий хизматчи)].

Қўқон хонлигида XIX асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб руҳонийлар таъсири кучая бошлади. Қўшинларда қозий аскар, муфти аскар, имоми жилов, сўфийи жилов вазифалари яна ҳам обрў қозонди. Шайх ул-ислом давлатда энг мартабали киши бўлди. Худоёрхон даврида Имом Соҳибзода (Имом Ҳазратнинг) таъсири саройда катта эди. У хонликда энг катта бойликлар, еру вақфларга эга бўлган. Хонликда турли тариқат пирлари ва муршидларидан Халифа Азизи Намангоний, Шайх Эшон Меҳмонхонтўра, Эшон Миён Фазл Аҳад, Эшон Абдурахим, Мулла Бобо Маҳмуд, Эшон Халифа Сафо, халифа Олтмиш ва бошқа уламоларнинг таъсири катта эди. Худоёрхон кўп уламо ва руҳонийларни мол-мулк бериб, уларнинг ҳомийликларини олиб, хонлик тахтини сақларди. Русия билан яқинлашишида ҳам хурофотчи уламоларнинг баъзиларини куч билан тинчитиб, баъзиларини пул билан ром қилган эди. Шунга қарамасдан хонликда ҳукмрон ғоя ва дунёқараш бу ислом дини, ҳуқуқ эса шариат эди. Хон ҳам бу ғоялар ва шариат талабларига итоат қилиши зарур эди²⁷⁰. Ҳукумат хизматида бўлган хўжа калон йилида 800 ботмон ғалла (буғдой), 1200 танга йиллик маош оларди. Иккита нақиб 500 ботмон ғалла ва 1000 танга пул, 5 нафар мирасад, 300 ботмондан ғалла, 700 тангадан маош, 10 нафар садр мутобиқан 200 ботмон ғалла 600 танга йиллик даромад, 50 нафар судур 100 ботмон ғалла ва 400 танга, ўроқлар эса (100 киши) 50 ботмон ғалла ва 200 танга пул олардилар²⁷¹. Буларни ҳам бечора халқ бошқа амалдорлар қатори боқиб, уларни ўз ҳисобидан моддий таъминлаб турарди.

Қўқон хонлигида диний ва қозихона вазифаларига асосан ўтроқ халқлардан ўқиган, маълумоти бор кишилар танланарди. Мансабларнинг бир мартабасидан юқорисига ўтиш жуда ҳам қийин эди. Баъзан вазифалар меросий бўларди. Янги унвонга эга бўлган амалдор киши олдинги унвонини сақларди. Масалан, Ёқуббек ғулом додхоҳ-волий, Алимқул бий додхоҳ-ноиб, Берди Али додхоҳ-юзбоши, Домла Бобо аълам-қози. Мусулмонқули қипчоқ эса оталиқлик унвони ва қариндошлигидан (Худоёрхоннинг қайнотаси эди) фойдаланиб, хонликнинг мингбошиси ва амирлашкар бўлиб олди. Шунга айтиш керакки, баъзи унвон ва мансаблар хонликда Бухоро амирининг унвон ва мансабларидан кам фарқ қиларди²⁷².

Қўқон хонлиги алоҳида вилоятларга бўлиниб, энг катта мулклар – бу Андижон, Балиқчи, Марғилон, Тошкент, Тўра кўрғон, Туркистон, Ўратепа, Хўжанд, Чимкент, Чуст ҳисобланарди. Вилоят ҳокимларини хон тайинларди. Баъзан ҳокимликка даъво қилаётган катта гуруҳларнинг пешволари куч билан бу вазифани олиб, мустақил равишда вилоятларни бошқарардилар. Хонзодалар асосан Андижон, Тўра кўрғон, Марғилонга ҳоким бўлардилар. Вориснинг ҳукумати охириги йилларда Андижон бўлган эди. Вилоятларнинг алоҳида шаҳар ва қалъаларига ноиб ва ботирбоши тайинланардилар. Ҳар бир вилоятнинг ўз кўшини бор эди.

Қўқон хонлигидаги асосий стратегик қалъа ва истеҳкомлар Чу ва Талас водийларида Тўйчибек-кўрғони, Тўқмоқ, Пишпек, Ит-кечув, Оқ сув, Мерка, Авлиё-ота, Ийиш-тепа, Жумгала, Куртак; Сирдарё соҳилларида Чўлоқ кўрғон, Сўзак, Қўмиш кўрғон, Янги-кўрғон, Оқ масжид, Челак мудофаа қалъалари бор эди. Шимолдаги Туркистон, Чимкент, Ниёзбек, Тошкент шаҳарлари ўзларининг мудофаа чизиқлари ҳамда қалъаларига эга эди. Оҳангарон ва Чирчиқ водийсида Кировучи, Бўка, Тўйтепа истеҳкомлари мавжуд эди. Хонликнинг ғарб томонидан Ўратепа (Муғ) қалъаси, Хўжанд, Маҳрам, Дилварзин қалъалари ҳимоя қиларди. Шарқ қисмида Моду, Ўш, Ланган қалъалари жой олган бўлиб, жанубдан тоғли тожик мулклари Фарғонага чегарадош эди. Бу қалъаларда ҳарбий дасталар – туғ ё понсодлар ўз оилалари билан яшаб хизмат қилардилар. Уларнинг хизмат ҳаққи баъзан хазинадан берилса, қисман юриш ўлжаларидан иборат эди. Қўшинда аскарлар жуда ҳам ёмон қуролланган бўлиб, замонавий аслаҳа ва янги ҳарбий амалиётлар восита ва услубларидан хабарлари йўқ эди. Қўқон кўшини руслар билан бўлган жангларда бир мартаба 70 та тўп, тўрт минг пилта милтиқ билан қарши чиққанди. Оддий аскарлар қилич билан қуролланган эдилар. Юриш пайтларида

²⁶⁹ Кун А. Некоторые сведения О Ферганской долине // Военный сборник, 1876. – № 1. С. 176, 179.

²⁷⁰ Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. – С.103; Бейсембиев Т.К. Тарихи Шахрухи как исторический источник. – С. 84-85.

²⁷¹ Кун А. Некоторые сведения О Ферганской долине. – С. 117, 179.

²⁷² Муфассал қаранг: Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиё давлатларида бошқарув тарихидан. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 80 с.; Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Тошкент: Фан, 1996. – С. 3-16.

аскарлар ойида бир тилла, йилида бир тўн, кафш (ковуш)-маҳси олиб ўз тирикчиликларини яна бошқа ишлар билан машғул бўлиб ўтказардилар. Аммо юзбоши ҳарбий бошлиқ сифатида қуйидаги пул ва нарсаларни ҳукуматдан ҳар йили олиши керак эди: буғдой 80 пуд, жўхори 240 пуд, кимхоб тўн, салла, тўшак, этик, пўстин, оддий тўн, чакмон, 2 та қўй, чоқ (?), ҳар ойда 1 тилла 4 танга ойлик. Оддий сарбоз шу нарсалардан учдан икки қисмини оларди, холос²⁷³.

Қўқон хонлиги забт этилиши билан минглаб сарбозлар, суворий аскарлар, қабилаларнинг қўшинлари чорвадорлик ва деҳқончилик билан шуғулланишни бошладилар. Сиёсий кучлар ўзларининг ижтимоий базасини йўқотиб, кучсиз бўлиб қолдилар.

Қўқон хонлигида икки миллионга яқин аҳоли яшарди. Булардан XIX асрнинг бошларида 40 фоиздан ортиқ аҳоли кўчманчи ва ярим кўчманчи эдилар²⁷⁴. Шу асрнинг охирига келиб кўчманчилар 15 фоизни ташкил қиларди. Русия томонидан босиб олгандан сўнг кўчманчиларнинг ўтроқлашиши кучайиб кетиб, шаҳарлар ривожлана бошлади. Шаҳарлар билан қишлоқлар, деҳқонлар билан чорвадор қабилалар ва шаҳарликлар ўрталарида савдо-сотик бўлиб турарди. Шаҳар ичида ва атрофида кўп бозорлар бор эди. Қипчоқ ва қирғиз бойларининг ўн минглаб майда моллари ва юзлаб оту туялари бўлиб, иқтисодий жиҳатдан мустақил эдилар. Қўқон аҳолиси чорвадорликдан ташқари тўқимачилик, боғдорчилик ва деҳқончилик, юзлаб кишилар косибчилик ва ҳунармандчилик билан машғул бўлардилар.

II.3.1. Ҳунармандчилик ва ҳунар аҳли.

Қўқон хонлигида пойтахтдан ташқари Тошкент, Туркистон, Чимкент, Ўратепа, Марғилон ва Андижонда шаҳарликлар кўп ҳунар ва касблар билан машғул бўлардилар. Ҳар бир ҳунар аҳли ўз маҳалла ва кўчаларида яшаб, махсус устахона, расталар, тим ва дўконларда ишлаб кун кечирардилар. Хонликнинг кўп шаҳарларида мисгар, темирчи, кулол, бўзчи, қулф-занжирсоз, дегрез (қозон қуювчи), парчабоф (газлама тўқувчи), камонгар ва бошқа ҳунар эгаларининг маҳаллалари бўларди. Ҳунарманд ва косиблар қадимдан мерос бўлиб келаётган ишлар билан шуғулланиб, ўз касбларида моҳир ва уста бўлиб кетган эдилар. Хонликнинг кўп шаҳар ва ноҳиялари бирон-бир ҳунарга мутахассислашиб, шу маҳсулотлари билан машҳур бўлгандилар. Масалан, Қўқон заргарлик ва қоғоз маҳсулоти («абри баҳор» номли қоғози билан), Шаҳрихон ва Чуст тикувчилик ҳамда темирдан ясалган маҳсулотлари, хусусан пичоқлари билан Марғилон ва Андижон ипак газлама чиқаришда (атлас, алоча, беқасам), Тошкент тикувчилик ва темир-мис маҳсулоти билан машҳур эдилар.

Заргарлар ўз маҳсулотлари учун хом ашёни Қўқон ва Марғилон бозорларидан сотиб олардилар. Олтин рудаси Сирдарё бошланиши ҳудудларидан, Қошғар, Даввон, Олтой тоғларидан олинарди. Масалан, рус олими В.Вельяминов-Зернов Қонсув дарёсидан олтин олиш жараёни ҳақида кизиқарли маълумотлар берган²⁷⁵.

XIX асрнинг 60-йилларида Қоратепа тоғларида очилган олтин кони ҳам қўқонликларга катта даромад келтирган. Олтин, кумуш, мис каби нодир металлар танга ўйиш мақсадида хон ўрдасида жойлашган зарбхонада ҳам ишлатиларди.

Заргарлик маҳсулотлари арзон нархда сотиларди ва у асосан хонлик савдогарлари томонидан Русия бозор ва ярмаркаларига элтиб сотилар ва шу зайл арзон-гаров бу моллар Европа бойлари хазиналарини тўлдирарди. Хонлик заргарлари ҳар хил тилло ҳалқалар, олтин тузувли бўйинбоғи, тилла-қош, узук, биллак узук, бозубанд, тумордон каби безак буюмларини маҳорат билан ясар ва қилич, пичоқ дастаси, ғилофларни қимматбаҳо тошлар билан безатишга уста эдилар. Қўқон хонлигидаги талай маъдан конларида кумуш ҳам кўрғошин рудаси билан бирга қазиб олинарди. Наманган атрофидаги тоғларда, Қоратоғда, Ўратепанинг Лаълкони деган жойида, Боғистон, Сазак, Нўғой қишлоқ яқинида ана шундай кумуш конлари бор эди. Мис маъдани эса Оҳангарон водийсининг Қора-Хитой қишлоғи яқинида, Хўжанд тоғларида қўлга киритилар эди. Заргарчиликнинг муҳим хом ашёси бўлган феруза, ёқут, лаъл, зумрад, қизил-ёқут, ложувард аъқиқлар эса Хўжанд атрофида, Сўх ва Исфара тоғларида, Олтойда бор эди. Улар Қўқон, Марғилон, Тошкент бозорларида сотиларди. Ўтган асрда бир пуд ложувард 25 тиллодан 40 тиллогача баҳода сотиларди²⁷⁶.

Қўқон ҳунармандлари ичида қурол-аслаҳа ва жанг кийим-кечаклари ишлаб чиқарадиган усталар ва косиблар катта обрў ва ҳурматга эга эдилар. Тўп қуювчилар, аслаҳачи-қўрчилар, жибачи,

²⁷³ Вельяминов - Зернов В.В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммед-Али до Худаярхана. – С. 117-118.

²⁷⁴ Қаранг: Обзорение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии // ЗИРГО, 1949. Вып. III. Кн. III. – С. 107-152, 191.

²⁷⁵ Вельяминов - Зернов В.В. Сведения о Кокандском ханстве // ВРГО. – СПб., 1856. Т.18. – С. 124.

²⁷⁶ Ўша жойда. – С. 125.

милтиқсоз, кетмон ясовчи, найзасоз, зирехсоз, кулохдўзлар Қўқонда, Ўратепа ва Марғилонда яшардилар. Қўқонда Худоёрхон даврида порох кукуни ишлаб чиқарадиган махсус корхона бор эди. Порох кукуни Марғилонда, Андижоннинг Чайкент қишлоғида, вилоятлар марказларида ҳам ишлаб чиқариларди. Андижонда европача услубдаги милтиқ корхонаси қурилган бўлиб, унда милтиқ ва бошқа қуроллар таъмир қилинар эди²⁷⁷.

Қўқон усталари рус қўшинларига қарши бораётган аскарлар учун фақатгина Султон Саидхон (1863-1865 йй.) даврида Мулла Алимқул амирлашкар учун 70 та катта тўп, ўн мингга яқин милтиқ ясаб бергандилар²⁷⁸. Аммо ана шу қурол-аслаҳа 1865 йили Худоёрхонни қайтадан тахтга чиқариш мақсадида ёрдамга келган, аммо хон илтимосига биноан Қўқонга кирмай, аламзада ҳолда Бухорога қайтиб кетаётган амир Музаффар қўлига тушиб, Бухорога олиб кетилади. Бу эса Қўқон давлатига катта зарба бўлади. Юқорида айтганимиздек, шу йилиси амир Қўқон хазинаси билан бирга кўп хунармандларни ҳам Бухорога кўчириб кетганди.

XIX асрнинг ўрталарида тикувчилик, пахта ва ипак билан ишлайдиган хунармандлар ва косиблар оғир аҳволга тушадилар. Бунинг биринчи сабаби ҳокимларнинг ўзаро тўқнашувлари – ички низолар бўлса, иккинчидан пахта ва ипак Русия бозорларида сотилар ва улар Русия мануфактураларида қайта ишлаб чиқарилиб, бу маҳсулотлар эса яна Қўқонга келтирилиб, аҳолига арзон нархларда сотиларди. Натижада тўқувчилар бозори касодга учраб, аҳволлари оғирлашади. Бундай касб-хунарлардан анчаси аста-секин йўқолиб кетди.

Қўқон хонлигида қоғоз маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳам ривожланган эди. Қўқон, Марғилон ва Тошкентда ана шу Обжувоз – қоғоз ишлаб чиқарадиган тегирмонлар фаолият кўрсатарди. Қоғоз саноати маҳсулотидан котиб, хаттот, муқовачи-саҳҳоф, аттору мусаввир, наққошу лавҳ чизувчилар ўз ишларида унумли фойдаланар эдилар. Қўқондаги Обжувоз корхонаси ҳатто XX асрнинг 40-йилларида ҳам ишлаб турган. Қўқоннинг «абри баҳор» номи билан машҳур қоғози чет элликлар томонидан ҳам юксак баҳоланган. Қўқон хаттот ва котиблари хитой ипак қоғози, Русия мануфактура қоғозларини ҳам ишлатишган.

II.4. МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

II.4.1. Меъморчилик ва қурилиш ишлари.

XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг бошларида Қўқон хонлигининг кучли марказий ҳокимиятга эга бўлган марказлашган давлат сифатида қарор топиши, хал хўжалигининг бир мунча жонланиши натижасида моддий маданият ривожланди. Мамлакат пойтахти Қўқон ва бошқа шаҳарларда бир қатор меъморий обидалар, йўллар, кўприклар, сув иншоотлари, ҳаммомлар қад ростлади, амалий санъат ва хаттотлик санъати ривож топди.

Меъморий бинолар хонликда маъмурий (давлат муассасалари Арк, Ўрда, девонхона, ҳокимлар, беклар ўрдалари), ҳарбий бошқарувга тегишли, мудофаа иншоотлар, ибодатхоналар (масжид, қорихона, далоилхоналар), таълим муассасалари (мадраса ва мактаблар), савдо-сотик бинолари (дўкон, расталар, тимлар, бозорлар ва ҳ.), турар уй-жойлар, коммунал иншоотлари (ҳаммомлар), инженерлик иншоотлари (сардобалар, кўприк, ариқлар, тўғонлар) ва б. иборат бўлган.

XIX асрнинг биринчи ярмида хонликда Умархон, Муҳаммадалихон, Нодирабегим, Худоёрхон, Султон Муродбек, Султон Саидхон ва ҳарбий бошлиқлардан Мусулмонқули, Алиқули, Ҳолмуҳаммад мингбошилар ва замонасининг илғор, маърифатли, бой кишилари томонидан меъморий обидалар қурилди, шаҳарсозлик тез суръатлар билан ривожланди. Натижада мамлакат пойтахти Қўқон тез фурсатда Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидан бири, илм-фан ва маданият марказига айланди.

Меъморчиликда асосий эътибор биринчи навбатда мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, дарвеш ва қаландарлар учун такяхоналар, қорихоналар, сардобалар, кўприклар, бозор расталари барпо қилиш ҳамда ариқлар қозишга қаратилган.

Хонлик шаҳар ва қишлоқларида биринчи кўзга ташланадиган бинолар мадраса ва масжидлар бўлиб, улар баланд ва ҳашаматли, нақшинкор ҳамда кунгурадор қилиб қурилган. Мадраса, масжид ва ўрда иморатлари салобатли ҳамда ҳашаматли бўлиши учун улар осмонўпар гумбазли қилиб бунёд этилган. Биноларнинг баландлиги ва мустаҳкамлигини ўша давр қурилишининг ютуқларидан деб ҳисоблаш мумкин.

²⁷⁷ НабиевР. Из истории Кокандского ханства. – С. 206-208.

²⁷⁸ Тарихи жаҳоннамоӣ, 317^a

Қўқон шаҳрида Норбўтабий, Олимхон ва Умархон ҳукмронлиги даврида кўпгина мадраслар қурилди. Машҳур тарихчи Муҳаммадҳакимхоннинг бобоси томонидан Ҳаким тўра мадрасаси, 1840-1842-йиллар ўртасида Моҳлар ойим ва Хон мадрасалари барпо этилди. Булардан ташқари Офтобойим, Ризоқулибек, Мингойим, Муҳаммадясовул, Хўжадодхоҳ, Ҳаққули мингбоши, Муҳаммадсиддиқ тўнқатор, Дастурхончи, Аминхон хиштин, Муҳаммадйосуф Охун девон каби мадрасалар бунёд этилган.

Шаҳар маркази Чорсуда тўртта йирик мадраса биноси қад кўтарган.

Василий Пшеничников маълумотига қараганда, 1842-йилда пойтахтда 15 та мадраса бўлиб, улардан энг кўзга кўринганлари Муҳаммадалихон мадрасаси, Норбўтабек, Жомий, Олий, Ҳаким ойим, Султон Муродбек, Хўжа додхоҳ, Минг ойим мадрасаларидир. Уларнинг 38 тадан 108 тагача хужраси бўлган.²⁷⁹

XVIII-XIX асрларда Қўқонда барпо этилган мадрасалар, уларнинг қурилган йили, бинони қурдирган шахс, меъмори ва бугунги кунда Қўқон шаҳридаги ўрнини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

	Номи	Қурилган йили		Асосчиси (қурдирган шахс) ва меъмори	Манзили
		Ҳижрий	Милодий		
1	2	3	4	5	6
1.	Мадрасаи Хиштин	1142	1729	Муҳаммадраҳимхон	Чалчиқ
2.	Мадрасаи Олтун Бешиқ хон	1175	1761	Эрдонабий	Шайх ул-ислом гузари
3.	Мадрасаи Сулаймония	1176-77	1762	Сулаймонхон ва Норбўтабий	Ҳайдарбек
4.	Хонхўжа эшон	1204	1789	Хонхўжа эшон Юсуфхўжа эшон ўғли	Ёғоч бозори
5.	Имом Боқир	1209	1794	Мингойим	Парпашабоф маҳал.
6.	Ҳаким тўра	1210	1795	Ҳакимхон тўра	Ғишткўприк
7.	Мадрасаи Мир	1213	1798	Норбўтабий Уста Мулла Солиқ Қосим ўғли	Янги Чорсу
8.	Мирбўтабек	1214	1799	Мирбўтабек (Норбўта) Эрдонабий ўғли	Чалчиқ
9.	Бузрукхўжа эшон	1216	1801	Бузрукхўжа Ҳасанхўжа эшон ўғли	Мисгарлик
10.	Мадрасаи Мингойим	1217	1802	Мингойим (Норбўтабий)	Чорсу (ҳозирги театр ўрни)
11.	Пирмуҳаммад ясавул	1217	1802	Пирмуҳаммад ясавул	
12.	Ҳожибек	1218	1803	Ҳожибек Абдурахмон-бий ўғли	Ҳожибек гузари
13.	Мадрасаи Ҳаммом	1219	1804	Мирзараҳим Парвоначи	Янги Чорсу
14.	Охунд Девонбеги	1220	1805	Мулла Муҳаммад	Ғалчасой

²⁷⁹ Галкин М.Н. Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. – СПб., 1869. – С. 238-240; История Узбекистана. Т. III. – С. 220.

Шодмон Воҳидов

				Охунд	
15.	Мирзо Ёдгор	1220	1805	Муҳаммадкул баҳодир Ўтамкули ўғли	Лашкар маҳалла (Исфара гузари)
16.	Офтобойим	1221	1814	Офтобойим Норбўта-бийнинг қизи)	Рихтагарлик (Артизон бўйи)
17.	Мадрасаи Идрискулибек	1232	1816	Идрискулибек	Идрискули бек гузари
18.	МадрасаиЖомеъ	1232	1816	Умархон	Чорсу
19.	Хожа додхох	1238	1822	Баҳодирхўжа Ориф- хўжа эшон ўғли	Ғишткўприк
20.	Мадрасаи Офоқий	1239	1823	Жаҳонгирхон тўра	Дегрезлик
21.	Хақкулибек	1241	1825	Хақкули мингбоши Жаҳонгирхўжа ўғли	Бойта кўприк
22.	Бердикулибек	1242	1826	Бердикулибек Идрис-кулибек ўғли	Ғалла баққоллик
23.	Тунқатор	1242	1826	Муҳаммадсодик Муҳаммадюнус ўғли	Бойта кўприк
24.	Мирбўтабой	1214	1827	Мирбўтабий додхох	Навбахор
25.	Зинбардор	1243	1827	Муҳаммадаинбек Юсуф Митон ўғли	Исфара гузари
26.	Мадалихон (Мадрасайи хон)	1245	1829	Муҳаммадалихон	Ғишт кўприк
27.	Аминжонбой	1245	1829	Аминжонбой Яъкубжонбой	Ҳайдарбек маҳал.
28.	Эшон Сўфи Бадал	1245	1829	Эшон Сўфи Бадал	Каландархона яқинда
29.	Парвоначи	1291	1829	Эшон Сўфи Бадал	Шалдирамоқ
30.	Мадрасаи Хиштин	1247	1831	Абдараҳмон Шарбатдор	Чалчиқ
31.	Дастурхончи	1249	1833	Маҳмуд дастурхончи	Янги чорсу
32.	Абдужалил Халифа	1250	1834	Абдужалил Халифа	Беда босган
33.	Муҳаммадамин (Камол қози)	1253	1837	(1914 й. Камол қози томон янгиланган)	Ғишт кўприк
34.	Отауллохон тўра	1254	1838	Отауллох кандаккор	Тароқчилик
35.	Моҳлар ойим	1257	1841	Моҳларойим (Нодира)	Ҳамза кўчаси, тақачалик растаси
36.	Чалпак	1260	1844	Моҳларойим-Нодира	Катта Қабристон
37.	Валихон тўра	1260	1844	Валихон тўра Офоқийбек	Бекбўта кўча
38.	Арки Олий	1261	1845	Мусулмонқул	Чорсу мавзейи
39.	Халифа Сафо эшон	1261	1845	Халифа Сафонинг ўғли	Халифа Сафо кўчаси (Ёғ бозори)
41.	Мадрасаи Олий	1263	1846	Саййид Муҳаммад Худоёрхон	Чорсу
42.	Ҳаким Халифа	1265	1849	Мулла Ҳаким халифа	Боймаҳалла

Кўқон хонлиги тарихи (хонлик тарихи – манбаларда)

43.	Муҳаммадшарифбой	1271	1855	Муҳаммад Шарифбой	
44.	Ҳарифона	1274	1857	Мулла Абдулқосим Махсум	Ўрда яқинида
45.	Хомтаъма	1275	1858	Худоёрхон	Чорсу яқинида
46.	Ҳазрат Соҳибзода	1278	1861	Миён Фазл Аҳад	Шоҳи фабрикаси
47.	Ҳоким Ойим	1286	1869	Жарқин ойим Худоёрхоннинг онаси. Уста Мулла Тўра ўғли	Чорсу
48.	Султонмуродбек	1289	1872	Султонмуродбек Шералихон ўғли	Чорсу
49.	Муҳаммадолимхон	1289	1872	Миролим Нормуҳаммад ўғли	Чорсу
50.	Халифа Олтмиш	1289	1872	Халифа Олтмиш Муҳаммад ўғли	
51.	Каттахўжа Эшон	1296	1878	Каттахўжа Акбархон ўғли	
52.	Алихонбой	1299	1882	Алихонбой	Қаландархона
53.	Суфиён	1309	1891	Суфиён	Чорсу яқинида

XIX асрда Тошкент шаҳрида ҳам бир қанча мадрасалар барпо этилган. Жумладан, Умархон даврида, тахминан 1816-йилларда Тинчбоф гузарида Шукурхон мадрасаси, 1820-йилда Кўкча даҳасида пишиқ ғиштдан Эшон Бўрихўжа Санчикмоний мадрасаси қурилган²⁸⁰.

XIX асрнинг 30-йилларида Муҳаммадалихоннинг фармони билан шаҳар Регистонида Азимота мадрасаси қад кўтарган. Мадрасага Мир Иноятуллоҳ бош мударрис этиб тайинланган²⁸¹.

Муҳаммадалихон қозикалон этиб тайинлаган Исохўжа томонидан ҳам пишиқ ғиштдан Исохўжа қози мадрасаси бунёд этилган. Шунингдек, 1830-йилда Чархчикўча мадрасаси, 1833-йилда Маҳмуд дастурхончи мадрасаси қурилган. Маҳмуд дастурхончи мадрасаси Дегрезлар маҳалласида жойлашган ва 25 та ҳужрани ўз ичига олган.

1838-1839-йилларда Туркистон ҳокими Эшонқули додхоҳ ибн Лашкар бекларбеги (Ғуломшоҳ Чатрорий) томонидан Эшонқули додхоҳ мадрасаси қурилган. Бу мадраса рус манбаларида Шайхонтохур мадрасаси, деб ҳам қайд этилади. Мадраса Юнусхон мадрасасининг жануби-шарқида тўрт тарафдан бир-бирига қаратиб солинган. Лашкар бекларбегининг ўғли Ниёзмухаммад мирзо мадрасада мутаваллий бўлган.

1838-1840-йилларда Тошкент ҳокими Лашкар бекларбеги томонидан Бекларбеги мадрасаси барпо этилган. Мадраса икки қаватли бўлиб, 58 айрим маълумотларга кўра 59 ҳужра, ва дарсхона ва бир масжиддан иборат бўлган.

1840-йилда Каллахона мадрасаси, 1852-йилда Зангиота мақбараси ёнида Нормуҳаммад кўшбеги мадрасаси, 1857-йилда Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад кўшбеги томонидан Қафқол Шоший мақбарасининг жанубида, пишиқ ғиштдан Мўйи муборак мадрасаси қурилган. У 13 та ҳужра ва бир масжиддан иборат бўлиб, Абдулмажидхон эшон унинг биринчи мударриси бўлган.

1860-йилда Кадубод, 1865-1876-йиллар оралиғида Кўкча даҳасидаги Пичоқчилик маҳалласида пишиқ ғиштдан Шарифбой, 1871-йилда Қосимбой Қоратутий, 1873-йилда Отабийхожи мадрасалари солинган²⁸².

Бундан ташқари, Марғилонда Саййидахмадхўжа мадрасаси, Андижон шаҳри атрофида Сайдуллоҳ уста томонидан Отакўзи мадрасаси, Исахон уста ва унинг ўғиллари бошчилигида Мирзақули Бўлиш мадрасаси каби илм масканлари бунёд этилган.

Умуман олганда, XIX асрда хонликнинг Кўқон, Тошкент, Андижон, Хўжанд, Ўратепа, Марғилон, Туркистон каби шаҳарларида 200 дан ортиқ мадраса қурилган.

²⁸⁰ ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 1148-иш, 18-вар.

²⁸¹ Султонов Ў. А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари. Т. 2007. – Б.142-150.

²⁸² ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 1148-иш, 18-вар.

1801-1876-йилларда хонликда маъмурий ва жамоат бинолари, жумладан, саройлар, масжидлар, кўприклар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, йўллар қурилишига катта эътибор берилган ва хусусий уйлар қурилиши ҳам анча ривожланган.

1863-йилда Султон Саидхон Қўқонда ўзи учун ўрда – хон саройи қурдирган. Лекин бу ўрда 1870-йилда Худоёрхон томонидан қайта қурилиб, атрофида боғ барпо қилинган. Бу қурилиш тарихи Қўқон тарихчиларидан Авазмуҳаммад Аттор ва Ниёзмуҳаммадлар томонидан ёритилган²⁸³. Эски Ўрда номини олинган бу сарой сурати В. Верешагин чизмаси орқали етиб келган, холос²⁸⁴.

Хонликда Жоме (жума) ва Намозгоҳ (ҳайит намозларини ўқиш учун) ва маҳалла масжидлари (беш вақт намоз ўқиш учун) қурилишига алоҳида эътибор берилган. Жоме масжидлари шаҳарнинг марказида ўзининг салобатлилиги билан ажралиб турган. Улар баланд гумбазли ва текис шифтли бўлиб, ҳар иккала турдаги бинонинг ички кўринишида шифти ва ташқи кўринишида гумбаз беагага алоҳида эътибор берилган.

Масжидлар биносининг қурилиши ва уларнинг таъмири асосан вақфлар ҳисобидан амалга оширилган. Масалан, Умархон масжидининг таъмири 1850-1851-йилларда Худоёрхон томонидан амалга оширилган бўлса, Ийдгоҳ масжиди 1865-йилда ўзининг вақфлари ҳисобидан таъмирланган²⁸⁵.

Хонликда мақбаралар хонлар, саййид ва хўжалар қабрлари устида барпо қилинган ва уларнинг қурилиши ҳамда таъмири савобли ишлардан ҳисобланган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, уларни қурдириш обрў орттириш воситаси ҳам бўлган.

1825-йилда Нодирабегим томонидан Умархон ва унинг авлодлари учун «Дахмаи Шоҳон» – «Шоҳлар дахмаси» мақбараси қурдирилган. Кейинчалик бу мажмуага Нодира, Муҳаммадалихон ва бошқа хонлар дафн этилган. 1850-1851- йилларда бу мақбара Худоёрхон томонидан таъмирланган.

Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасидаги Шайх Хованди Тоҳур мақбараси энг йирик мақбаралардан бири бўлиб, мақбара биноси Нормуҳаммад кўшбеги ҳокимлиги даврида пишиқ ғиштдан қурилган. Муҳаммадсолиххўжанинг ёзишича, мақбаранинг деворлари ва томи аввал ёғочдан бўлган. Унинг шимол тарафидан ариқ оқиб ўтган. Мақбара атрофи катта қабристон бўлиб, унинг ғарб томонида, яъни қабристоннинг ўртасида бир неча хоналар ва ичида гумбаздан иборат пишиқ ғиштдан қурилган чиллахона бўлган. Мазкур гумбазни Шайх Хованди Тоҳурнинг набираси Хўжа Аҳроп Валий қурдирган бўлиб, унинг ўртасида тош лавҳа ҳам ўрнатган²⁸⁶.

Шунингдек, Наманган вилоятининг Чодак тоғ қишлоғида Бойи Ҳамадон мақбараси узунчоқ тузилишдаги қабрнинг бир-биридан кўтарилиб борган уч поғанали супадан ташкил топганлигини ва унинг тўридаги супада сағана ўрнатилганлиги ва уни зиёрат қилишга қулай қилиб қурилганлиги билан ажралиб туради²⁸⁷.

Шу билан бирга, Фарғона водийсида XVIII-XIX асрларда қурилган мақбараларнинг ички кўринишида XI-XII асрларга хос анъаналар кузатилади. Жумладан, Намангандаги Хўжамнинг (Хўжа Амин) қабри мақбараси бунга мисол бўла олади²⁸⁸.

Хонлик меъморчилиги тарихида жамоат бинолари сирасига кирувчи ҳаммомлар алоҳида ўрин эгаллайди. Шарқда ҳаммомлар шаҳарнинг жисмоний ва маънавий тарбия аҳамиятига эга бўлган биноларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотчи олимлар ҳаммомларни тарҳи ва тузилиши жиҳатидан, асосан икки гуруҳга, яъни тўлиқ ва тўлиқсиз кўринишдаги ҳаммомларга бўладилар. Биринчи гуруҳ ҳаммомларининг умумий тузилиши тўғри туртбурчакка яқин бўлиб, асосий хонаси – миёнсарой иморат марказини эгаллаган бўлса, иккинчи турдаги ҳаммомлар кам хонали, соддароқ, тузилиши жиҳатидан «Г» ҳарфи шаклида, асимметрик, оддий ва узунчоқ шаклда бўлган. Асосан маҳалла ва қишлоқ ҳаммомлари тўлиқсиз кўринишдаги ҳаммомлар бўлган²⁸⁹.

XIX асрда қурилган ҳаммомлар бир неча, яъни «лунги хона», «иссиқ хона», «хунук хона» ва миёнсарой (ўртасарой) ёки катта гумбаз каби хоналардан ташкил топган. Шулардан миёнсарой хонаси ўзининг жойланиши, катталиги, тузилиши билан қолганларидан ажралиб туради. Масалан, XIX асрга оид Тошкентдаги Чорсу ҳаммоми миёнсаройидан олти эшик орқали тўққизта турли катталиқдаги хоналарга ўтилган. Миёнсаройнинг ҳамма томонида эшик бўлганлиги сабабли

²⁸³ Қаранг: Тарихи жаҳоннамой. 341^а,^б вар; Ниёзмуҳаммад Хуқандий. Ибрат ал- хавоқин (Тарихи шоҳрухий). – Б.280.

²⁸⁴ Мазкур сурат Россиянинг Иваново вилояти музейида сақланади. Қаранг: Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – Б.13.; Круковская С.М. Встречи с Кокандом. Ташкент: Узбекистан. 1977. – 171 с.

²⁸⁵ Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов. – С. 330.

²⁸⁶ Султонов Ў. А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари. – Б.174-175.

²⁸⁷ Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. – Тошкент:Фан. 2005. – Б. 451.

²⁸⁸ Ўша жойда. – Б.451.

²⁸⁹ Ўша жойда. – Б. 44-46.

тўртбурчак тузилишдаги супа унинг марказида жойлашган. Миёнсаройнинг гумбази саккизбурчак қанотларига ўрнатилган қалқонсимон равоқлар устида жойлашган. Гумбаз марказида қубба шаклидаги қисми бўлиб, унинг ён деворларида панжара билан тўсилган равоқлар назарда тутилган. Улар орқали миёнсаройга ёруғлик тушиб турган.

Миёнсаройнинг ички кўриниши ўзига хос қурилиши туфайли киши диққатини тортадиган манзарага эга бўлган. Жумладан, гумбаз гардиши остидаги қалқонсимон равоқлари, миёнсарой марказий ўқлари тўғрисидаги деворларнинг токча шаклида ташқарига сурилиши, уларнинг катта равоқлар ичига олиниши ва панжаралардан тушаётган нурлар натижасида ёруғ ва сояли юзаларнинг вужудга келиши унинг ички кўринишини жонлантириб юборади.

Ҳаммомлар пишиқ ғишдан, бир неча гумбазли қилиб қурилган ва улар эгасининг номи билан аталган. Тарихчи олим Муҳаммадсолиххўжа Шайхонтохур даҳасининг Қиёт маҳалласида жойлашган Мусомуҳаммад Бекмуҳаммад ўғли ҳаммоми, Кўкалдош мадрасаси орқасидаги пастликда жойлашган Муҳаммадкаримхўжа халифаи қозоқ ҳаммоми, Кўхна Намозгоҳ кўчасидаги Ҳожи Отабой ва Мулла Бадалмуҳаммад ҳаммомлари ҳақида маълумот беради²⁹⁰.

А.П.Хорошхиннинг маълумотларига кўра, Тошкент Чорсу бозорининг ўзида олтига ҳаммом фаолият кўрсатган. Уларнинг ҳар бири бир вақтнинг ўзида 200 кишига хизмат кўрсата олган²⁹¹. Ҳафтанинг бир ёки икки кунда ҳаммомлар аёлларга хизмат кўрсатган. Шу кунларда ҳаммом хизматида ҳам аёллар бўлган.

XVIII – XIX асрларда мамлакатнинг турли бурчакларида барпо этилган мадраса, масжид ва бошқа меъморий иншоотлар қурилишининг асосини анъанавий меъморчилик услуби ташкил этган. Меъморчилик анъанасига кўра мадраса, масжид ҳаммом ва тимларнинг гумбазлари:

- чархий - бўйи ва эни бир хил тўртбурчак, томи айлана;
- балхий - бўйи энидан узун, пастқам;
- мирзойи - гумбаз баландлиги эни кенглигининг ярмидан ортиқ;
- чортарк - томи пастак, тўрт қиррали, тўрт чокли ва яна қовурғали, бешикчи, чоркунжа, гажакдор шаклларда қурилган²⁹².

Ёғоч, темир, пишиқ ёки хом ғишт, юпқа сопол ғишт, ганч, мрамар, харсангтош, соғ тупроқ ва оҳак асосий қурилиш материаллари бўлган. Темир ва ёғоч кам бўлганлиги учун қурилишда кўпроқ пишиқ ёки хом ғишт, ганч, тош, лой ва оҳак ишлатилган. Бино пойдеворида харсангтош ёки мрамартош ётқизилган. Қурилишда терак, тол, тут, ёнғоқ, қайроғоч ва арча ёғочларидан кенг фойдаланилган. Пишиқ ғишт, ганч, юпқа сопол ғишлар махсус хумдонларда пишириб тайёрланган²⁹³.

Хонликнинг хўжалик ҳаёти суғорма деҳқончиликка асосланганлиги боис суғориш иншоотлари қурилишига алоҳида аҳамият берилган. Улар аҳоли, хонлар, алоҳида амалдорларнинг ташаббуси ёки раҳбарлигида ҳашар йўли билан қурилган. Масалан, 1822-1842-йилларда Тошкент вилоятида Хонариқ канали, 1868-1871-йилларда Фарғонада Улуғнор (Улуғнаҳр) канали қазилганлигини айтиб ўтиш мумкин. Улуғнор каналини қазишда ҳар йили 4 мингдан кўпроқ деҳқон қатнашган. Худоёрхон уларга шу канал суви билан суғориладиган ерларни беришга ваъда қилган. Лекин канал қазиб битказилгандан кейин, ундан фақат йирик ер эгаларигина фойдаланганлар. Каналнинг суви деҳқонлар ерларига бориб етмаган²⁹⁴. Бу ариқнинг қурилиши ҳақида Муҳаммадхак Марғилоний куйидагиларни ёзади: «Худоёрхон Улуғнаҳрни қазиш вақтида сувни кўтариш учун Асакада чархпалак ҳам қурди. У Асака атрофидаги чўлларга сув чиқариб уни обод этиб, ўрда ва бозорлар қурмоқчи бўлди. Бунинг учун эски қабристонни ҳам бузиб ташлашни буюрди. Атрофдаги қишлоқларга мардикор солиғини солиб уларни ишлатди. Кўп мусулмонлар шунда ҳалок бўлдилар»²⁹⁵.

Хонликдаги шаҳарсозлик, уларнинг жойлашуви, тозаллиги, суғориш тизими, умуман олганда ижобий экологик ҳолат ҳақида А.П.Хорошхин: «Қўқон кўчалари жуда тоза, тўғри, масжид ва мадрасалари баҳайбат, кўприклари мустаҳкам ва катта. Кўприкларидан бири Мадалихон кўприги тошдан қурилган бўлиб, арklar устида жойлашган ва Каттасой устида қурилган, унинг икки

²⁹⁰ Султонов Ў. А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари. – Б.174-175.

²⁹¹ Хорошхин Н.П. Очерки Ташкента / Сборник статей касаюуихся до Туркестанского края. – С.92.

²⁹² Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти. 1996. – Б. 21.

²⁹³ Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. – Б.81.

²⁹⁴ Ўзбекистон тарихи. I том. – Т., 1970. – Б. 624.

²⁹⁵ Тарихи Азий. – Б. 313.

томонида дўконлар жойлашган. Бу унинг қурувчиси Хўжа додхоҳнинг моҳир уста эканлигини билдиради», – деб ёзган эди ²⁹⁶.

Шаҳарлар мамлакат мудофааси учун ҳам хизмат қилган. Улар мустаҳкам деворлар билан ўралган ва кўчалар баъзи жойларда тош ва ғишт билан қопланган. Хонликдаги марказий йўллар, уларнинг шохобчалари доимо назоратда бўлиб, қўриқланган. Хонлик ҳудудларида (Дашти қипчоқдан ташқари) карвонлар, тижоратчилар ва уларнинг молларини хавфсизлиги тўла таъминланган.

XIX асрда хонликда меъморчиликнинг ривожланиши савдо-сотик муносабатлари билан боғлиқ бўлган иншоотлар қурилишида ҳам кузатилади. Хонлик ҳудудларида марказий йўллар бўйлаб робот ва карвонсаройлар фаолияти давом этган. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи яримида Тошкентда Чорсу бозори саккизта кўчани бирлаштирган. Бу бозор ўнга яқин савдо майдонлари ва қирққа яқин савдо-хунармандчилик расталарини ўз ичига олган. Бозорда тўрт ярим мингта дўкон бўлган. Расталар кўчанинг икки томони бўйлаб жойлашган. Расталарни кўча ўртасини эгаллаган баланд тим бирлаштирган. Тим ёғоч тиркагич ва тўсиқлардан ташкил топган ²⁹⁷. Бундай бино ва иншоотлар хукмдорлар, алоҳида амалдор ва шахслар томонидан қурдирилган.

Хонликдаги аҳоли уй-жой қурилиши ҳам ўзига хос эди. Улар асосан синч (қўшсинч ва чкка синч) услубда, яъни бино қовурғалари ёғочдан қурилиб, ораси хом ғишт билан тўлдирилган. Баъзи биноларнинг ташқариси кейин пишиқ ғишт билан епилган. Фасадлари турли шаклларда бўртма тарзда безатилган уйлар ҳам бор. Икки хона ўртасига даҳлиз жойлаштирилганлиги ва уларнинг ҳовли томондан узун айвон билан бирлаштирилганлиги Фарғона шаҳарлари уй-жой қурилишининг ўзига хос хусусияти ²⁹⁸ бўлиб, Фарғонада ҳовлиларнинг уй билан туташган қисмини ёзги хона шаклига келтириш одати мавжуд бўлган. Марғилон шаҳрида хонанинг марказий қисмида тўртта устун бўлиб, уларнинг устида шифтдан анча кўтарилган ва тўрт томони ойнаванд туйнук мавжуд бўлган. Ерда эса кичкина ҳовуз назарда тутилган.

Фарғонанинг тоғли ҳудудлари уйларида хона сатҳи хона тўри – пешгоҳ ва оёқ ости - пойгоҳ қисмларга бўлинган. Улар бир-биридан фарши сатҳининг кўтарилиши билан ажратилган. Хона тўрининг девори тоқчали ишланган. Киравериш қисмидаги девор мағзига мўри ўрнатилган. Фарғона турар жой меъморчилигида ранг-баранг нақш ишлаш одати бўлган. Айрим хонадонларда оддий сувоқ устида, хўллигида, панжа билан турли хил нақшлар ишланган.

Тошкент турар жой меъморчилигида даҳлиз ёки айвон бир хона билан ёнма-ён ёки икки хона оралигида, икки ёки уч хона бурчагида бўлган. Шунингдек, Тошкент меъморчилигида қашғарча айвонга алоҳида эътибор берилган. Тошкентда дарвозахона устида ҳам айвон ва уй қуриш расм бўлган. Меҳмонхона эса кўпинча ташқи ҳовлининг иккинчи қаватида бўлган. Тошкент тоғли ҳудудларида турар жойлар тарҳида томонлари тенг катта хона ва чуқур айвонлар кўп учрайди ²⁹⁹.

XIX асрда аҳоли томонидан одатда ғиштли, пахсали, шўр босган ва ер ости сувлари ер юзига яқин бўлган жойларда синчли уй-жойлар қурилган. Синчли иморатлар (бир синчли ва қўш синчли) бир қаватли (баъзан икки қаватли) уйлар бўлиб, у дарвозахона, болохона, отхона, омборхона, ошхона, молхона, ички ва ташқи ҳовлиларни ўз ичига олган. Қўқон, Марғилон, Тошкент, Хўжанд Ўратепа шаҳарларида маҳаллий шароитга мос икки қаватли уйлар ҳам қурилган. Шаҳар қурилишида уйлар зич, бир-бирига яқин бўлиб, кўчалар жуда тор бўлган.

Шаҳар ва кишлоқларда уйларни иситиш усуллари жуда хилма-хил эди. Масалан, Тошкентда уйларни иситиш учун танча энг кўп қўлланилган. Фарғона водийсида танча кам ишлатилган. Аҳолининг бир қисми уйларни мўри билан иситган. Мўри уй девори олдида қурилган ўчоқ (тошўчоқ) бўлиб, ўчоқнинг тутуни уй тоmidан (равза орқали) чиқарилиб юборилган ³⁰⁰.

XIX асрда хонликда қурилган биноларнинг умумий тузилиши ва режалаштирилишида анъанавийлик сақланиб қолган бўлсада, Қўқон меъморчилигида ташқи алоқаларнинг ҳам таъсири сезилади. Биноларнинг безакларида ранг-баранг ғиштлар кўп ишлатилган, шипларга солинган гуллар Ўрта Осиёдаги қадимий ёдгорликлардан ўзининг жимжимадорлиги, бўёғининг ёрқинлиги, уларнинг баъзан кўзни қамаштирадиган даражада аралаш-қуралаш бўлиб кетганлиги билан фарқ қилади.

Қўқон хонлигида қурилиш ва меъморчилик билан бир қаторда амалий санъат ҳам ривож топган. Жумладан, амалий санъатнинг наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги йўналишлари юксак даражада тараққий этган бўлиб, улардан меъморчиликда кенг фойдаланилган. Хонликда амалий санъатнинг юқори даражада ривожланганлиги Худоёрхон саройида кўзга яққол ташланади. Саройни

²⁹⁶ Хорошхин А. П. Очерки Кокана. – С. 41.

²⁹⁷ Султонов Ў. А. Кўрсатилган асар. – Б. 51.

²⁹⁸ Нозилов Д. А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. – Б. 12-13.

²⁹⁹ Ўша жойда. – Б. 16.

³⁰⁰ Ўзбекистон тарихи. I том. – Тошкент, 1970. – Б. 701.

қуриш ва безашда Абдулла уста, Марасул уста, Масолиҳ уста Ҳақимбой уста ва Сўфи Йўлдош каби моҳир наққош усталар фаол қатнашиб, халқ амалий санъатининг юксак намунасини яратганлар.

Бундан ташқари қўқонлик меъмор ва наққош Ёқуб уста раҳбарлигида қад кўтарган Олтиариқдаги Дўсти Худо масжиди айвонига ишланган ислимий нақшлар санъаткорона бажарилганки, унда наққош турунж³⁰¹ни тўртбурчакли нақшга айлантиришга муваффақ бўлган.

Андижон атрофидаги Отақўзи мадрасаси³⁰² безакларида Сайдулло устанинг истеъдоди ўз аксини топган. Унда гириҳлар ислимий нақшлар ва Қуръон оятлари билан моҳирона чатиштирилиб, уйғунлаштирилганлиги билан ажралиб турса, Чодаксой қирғоғида, тоғлар билан ўралган жойда барпо этилган, тўртбурчакли хонақо ва уч томонидан очик айвондан иборат Чодак масжиди ўзининг ёғоч ва ганч ўймакорлиги билан юксак бадий қиммат касб этади. Эшонхон уста ва Норибой усталар томонидан қурилган ва безатилган Риштондаги Хўжа Илғор масжидининг шифт безаклари ўзининг аниқлиги, суратлар ва шаклларнинг тиниқлиги, услубларга бойлиги билан ажралиб туради.

Қўқон хонлиги меъморчилиги ва амалий санъатида бутун Ўрта Осиё учун характерли бўлган анъанавий услублар билан бир қаторда маҳаллий хусусиятлар ҳам мавжуд. Қўқон, Тошкент меъморчилик мактабларининг вакиллари жамоат биноларини қуриш ва уларни безашда, нақшлар танлашда ўз мактабларининг анъаналарига содиқлик билан ёндошиб келганлар. Қўқон ва Тошкент маҳаллий меъморчилик мактаби ўзининг кенг режали, ҳажмли манзаралари, безак ва жиҳозларнинг ғоят нафислиги, рангларнинг шўхчанглиги, ҳамда ёғоч, ганч ўймакорлиги билан ажралиб туради. Бу мактабларнинг композиция услуби ва ранг танлашдаги фарқни англаш учун Қўқон хонлиги ва Бухоро ҳамда Хива меъморий обидалари, уларнинг нақшу-нигорларини таққослаш етарлидир. Хонлик меъморчилигида чиройли қилиб айлантириб урғу берилган, ичига ислимий нақшлар туширилган, кўпроқ қизил ҳамда яшил буёқлар билан жилоланган турунжлар афзал туради³⁰³.

Қўқон ва Тошкент меъморчилик мактаби намуналаридан бўлган, Фарғона диний мактабларининг умумий хусусиятларини ўзида мужассам этган, асакалик уста Исахон ўз ўғиллари билан бирга бунёд этган Мирзақул бўлиш мадрасаси эркин тарҳ асосида бунёд этилган бўлиб, ҳажмий тузилишига кўра ҳеч бир қатъий тартибга бўйсиндирилмаганлиги билан ажралиб туради. Унинг кенг, боғ роғли ҳовлисининг гир атрофида турар жой учун мўлжалланган ҳужралар ва масжид хонақоси, нақшлар билан безатилган айвон жойлашган.

Қўқондаги томонлари мутаносиб қилиб тикланган катта хона ва кунчиқиш томонга қараган айвонни ўз ичига олган Хиштин масжиди биносининг ёзлик қисмидаги безак намуналари диққатга сазовордир. Унда оч яшил юзага туширилган турли гуллар тасвири баҳорда барқ уриб гуллаган боғ манзараси билан кўшилиб кетган.

Фарғона қадамжой меъморчилигининг энг ёрқин намунаси бўлган Жомеъ масжиди, Марғилондаги ширмойпаз новвойлар буюртмаси билан Отажон уста ва Яқубжон усталар қурган Ширмойпазлик масжиди ва Шўлдирама³⁰⁴ масжидлари ўзининг нозик жимжимадор нақшлари ва уларни айлантириб ўраган ҳолда чизилган печакгул тасвирларининг гириҳлар билан қоришиб кетганлиги билан ажралиб туради. Чақар масжидининг³⁰⁵ шифтида эса ҳаёт абадийлигининг тимсоли сифатида ранг-баранг гуллар солинган гулдонлар ва ислимий услубдаги нақшлар чизилган. Бағдоддаги Оқил мингбоши, мулла Вали масжидларининг шифти хушвақтлик рамзи сифатида ноанъанавий, яъни алвон рангда безатилганлиги билан диққатни ўзига тортади.

Марғилондаги Саййидахмадхўжа мадрасаси, Торонбозор³⁰⁶, Иброҳим Эғоз, Чустдаги Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий³⁰⁷, Шаҳрихондаги Понсод, Қўштегирмон кишлоғидаги Чорбоғ, Эшонбой ва Қирқволди³⁰⁸ каби масжидлар биносида ажойиб нақшлар мавжуд бўлиб, наққошлар ёрқин рангларда жилоланган асосларга ислимий нақшлар чекиш билан ўз ҳаёлот оламларининг жуда ҳам бепоён эканлигини яна бир карра исбот этганлар. Бағдоддаги катта анҳор бўйида қурилган Чувринди масжиди меҳробининг устида Ўрта Осиё меъморчигига хос бўлмаган манзара-пейзаж тасвирларининг борлиги билан бадий қимматга эга.

Бадий безаклари Тошлон уста, Исахон уста ҳамда тошкентлик уста Яҳёлар томонидан бажарилган Аҳмадбекхожи уйини, Қувадаги Зоидинбой уйини маҳаллий уй-жой меъморчилигининг

³⁰¹ Турунж – медалёнга ўхшаш нақш.

³⁰² XX асрнинг бошларида усталардан Қирғизбоев ва Мамажоновлар қайта тиклаганлар.

³⁰³ Азимов И. Ўзбекистон нақшу нигорлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б. 8.

³⁰⁴ Бу масжидни хўжандлик усталардан Тўхтабек ва Мирбобо хожи қайта тиклаганлар.

³⁰⁵ Унинг ясси бостирмали айвон қисмигина сақланиб қолган.

³⁰⁶ 1936 йилда қайта таъмирланган ва деҳқонлар уйига айлантирилган эди.

³⁰⁷ Унинг айвон қисмигина сақланиб қолган.

³⁰⁸ Манбаларда унинг қурилишига Тўракул устанинг ўғли Эркабой уста бошчилик қилган дейилади.

намунаси сифатида кўрсатиш мумкин. Нақшларнинг безаклар ва ислимий услублар асосида бажарилиши меҳмонхонага ўзига хос салобат ва кўркамлик бағишлаган. Анвойи гуллар нақши туширилган гулдон тасвири, ёрқин, тиниқ бўёқлар уй ичида серзавқ ва оромбахш кайфият ҳукмрон бўлишини таъминлаган.

Бу бинолар меъморчилик ва амалий санъатнинг юксак намуналари бўлиш билан бир қаторда ҳукмрон табақа вакилларининг шон-шуҳратини ошириш, аҳолига ўз таъсирини ўтказиш, уларни хайратлантириш ва ўзига тобе қилиш мақсадларини ҳам амалга оширишга хизмат қилган³⁰⁹.

Барча меъморчилик иншоотлари халқ, шаҳар ва қишлоқлардан йиғилган мардикорлар меҳнати эвазига қурилган. Айрим ҳолларда улар аёвсиз зулм остида қолган. Жумладан, Муҳаммадхак Марғинович Худоёрхон тамонидан Модарихон мадрасасини қуриш ва Улуғнаҳр ариғини қозишда хон саркори Отақул баҳодирбоши кўрсатган зулмни батафсил баён қилиб берган³¹⁰.

XIX асрда Қўқонд, Хўжанд, Ўратепа, Тошкентда қурилган кўп уйлар бу шаҳарларнинг эски маҳаллаларида сақланиб қолган. Улар аждодларимизнинг меъморчилик ва қурилиш санъатлари намунаси сифатида хизмат қилади.

II.4.2. Мадраса ва мактаблар (маориф), илмий ва адабий муҳит.

XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хонлигида 350 дан ортиқ мадраса ва шунчага яқин мактаб бор эди. Мадрасалар ижтимоий ҳаётда катта ўрин эгаллаб, мураккаб бир услубда идора қилинарди. Мадрасаларнинг қаторида кутубхона, қироатхоналар ҳам бўлиб, ҳар хил гуруҳларнинг илмига бўлган қизиқишларига жавоб берарди. Мадрасаларда талаба (толиб ал-илм)лар ўқиб, уларга мударрислар (домулла, охунд) дарс берардилар. Мударрислар, домла ва охундларнинг ҳар хил мартабалари бўлган. «Банораспўш» мансабли мударрислар хон қабулида бўлиш ҳуқуқига эга эдилар.

Мадраса ўз вақфларининг даромадига қараб муъидлар, муқаррир, китобдор, фаррош, имом, сўфи, мужовир, сартарош, посбон, ошпазларни ишга олиб уларга маош берарди. Мадраса ишларига мутаваккил бошчилик қиларди. Вақф ишлари судур кўлида эди.

Россия империясининг босқини арафасида Ўрта Осиёда таълим ва маориф, анъанавий тарзда давом этгани маълум. Туркистон босиб олинган рус империясининг янги маъмурияти таълим ва маориф соҳасида ҳам баъзи ўзгаришларни амалга ошироқчи бўлган. Бироқ, ижтимоий муносабатлардаги қоқлик, хурофот ва диний мутаасиблик бу соҳада катта ўзгаришлар қилишга йўл бермаган.

Туркистондаги маданият, маориф ва халқ таълимининг мустамлака даври тарихи илмий адабиёт³¹¹ ва тадқиқотларда³¹² кенг ўрганилган бўлсада, хонлик давридаги таълим, тарбия ва маориф масалалари жиддий ўрганилмаган³¹³ ва бизнингча, у алоҳида илмий тадқиқот мавзуси бўла олади.

³⁰⁹ Муфассал қаранг: Юсупова М. Полвека трансформации архитектуры Узбекистана. На примере «новых городов» Ферганской долины, конца XIX – начала XX в. Ташкент, 2005. – 176 с.

³¹⁰ Тарихи Азий. – Б. 312-313; Топилдиев Н. Кўрсатилган асар. – Б. 76-77.

³¹¹ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Л.: АН СССР, 1927; Ардаширов А.Ф. К вопросу о роли новометодных мактабов (по материалам Андижанской области) / Ученых записки Андижанского ГПИ. – Т. VI. – Андижан, 1957; Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 гг.). – Москва: АПН РСФСР, 1960; Абдуллаев Ю. Эски мактабда хат-савод ўргатиш (1867-1917 йй.). – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1961; Шу муаллиф: Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. – Тошкент: Учитель, 1966; Мухаммаджонов А.Р. Школа и Педагогическая мысль узбекского народа XIX – начале XX века. – Тошкент: ФАН, 1978; Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX века. Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981 ва б..

³¹² Турсунов Й.Й. Ўзбекистонда маорифчиларининг истиқлолчилик йўлидаги кураши тарихидан (1917-1930 йй.): Тарих фанлари д-ри... дисс.–Тошкент, 1995; Худойкулов А. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX – начале XX вв.): Автореф. дисс... кан.ист.наук. – Ташкент, 1995; Карлыбаев М.А. История народного образования в Каракалпакии в XIX – начале XX веков: Дисс... кан.ист.наук.–Нукус, 1995; Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX асрнинг охири –XX асрнинг 20 йиллари): Тарих фанлари номзоди... дисс.Андижон, 1996; Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX – начало XX). Автореф. дис. канд. ист. наук. Т., 1998. – 38 б. ва б.

³¹³ Рахимов Р. Традиционное начальное школьное обучение детей у народов Средней Азии (конец XIX –начале XX века.) / Сборник музея антропологии и этнографии: Вып. 43. Памятники традиционно-бытовой культуры народов Средней Азии, Казахстана и Кавказа.–Л., 1989. – С. 109–132; Ким П.Г. Уйдирма ва ҳақиқат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989.–29 октябрь; Казыбердиев А.Л. Средневековые арабоязычные логико – философские трактаты в рукописном фонде САДУМА // Общественные науки в Узбекистане.– 1990 – № 11. – С.50-53; Кондратенко З.П. Туркистонда халқ таълимининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги аҳоли ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1991.– 3-сон. – Б. 39; Йўлдошев Н. Маърифат фидоилари // Гулистон.– 1991.–4-сон. – Б. 20-21; Шарифхўжаев М. Ўрта Осиёда педагогик фикр ва таълимнинг ривожланиши тарихидан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1991. – 8-сон. – Б. 20-23.

Қўқон хонлигида таълим тизими, яъни маориф ўрта аср анъаналари бўйича давом этган. Бошланғич таълим 6-7 ёшдан бошланиб, ўғил болалар мактабларда, қизлар эса отинойиларнинг уйларида таълим олганлар.

Аксари мактаблар маҳалла масжидлари қошида очилган бўлиб, алоҳида хусусий мактаблар ҳам мавжуд бўлган. XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигида 350 тага яқин мактаблар фаолият кўрсатган. Мактаблар шаҳар ва қишлоқлардаги масжидлар ёнида фаолият юритиб, уларнинг асосий вазифаси болаларга бошланғич билимлар беришдан иборат эди.

Мактабларда етти йил давомида болаларга, уларнинг тушуниш-тушунмаслигидан қатъий назар алифбе, Қуръон, абжад³¹⁴, фарзи айн³¹⁵, Чаҳоркитоб³¹⁶, Хўжа Ҳофиз, Саъдий Шерозий шеърлари, Сўфи Аллоҳёр³¹⁷ ва Мирзо Бедил асарларидан савод ўргатилиши лозим эди.

Ўзбек болалари кўпроқ бўлган мактабларда яна беш китоб – «Фузулий китоби», «Лисон ут-тайр», «Алишер Навоий девони», «Фузулий», Машрабнинг ижоди ўтилган. Ўғил болалар биринчи кун мактабга борганда нон, ширинлик, домлага сарупо ёки унинг матоси (сурп ёки чит) олиб борганлар. Таълим жараёнида таълим бераётган домлага ҳар пайшанба кунларида, байрам ёки боланинг муайян китобни ўқиб битиргани муносабати билан ҳадялар, сарпо ва пул (20 танга) берилган. Толибнинг бир босқичдан (бир китоб хатмидан сўнг) кейинги босқичга ўтгани муносабати билан махсус зиёфат бериш одат тусига кирган³¹⁸.

Хонликнинг маънавий ва маданий ҳаётида мадрасаларнинг аҳамияти катта бўлган. XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигида 350 дан ортиқ мадраса бўлган. Жумладан, Қўқонда - 52, Тошкентда - 17 та, Хўжандда – 49 та мадраса фаолият олиб борган. Қўқондаги Олий мадрасаси, Модарихон мадрасаси, Тошкентдаги Кўкалдош, Бароқхон ва Абулқосим Шайх мадрасалари, Хўжанддаги Муслиҳиддин мадрасаси, Марғилондаги Саййидахмадхўжа мадрасалари, юқорида таъкидланганидек, хонликдаги энг машҳур мадрасалардан ҳисобланган. Хонликда аёлларнинг мадрасаларда ўқиши мумкин бўлмаган ва улар отинойилардан хусусий таҳсил олганлар³¹⁹.

Ўсмирлар 13-15 ёшдан бошлаб мадрасада ўқий бошлаганлар. Мадрасаларда ўқиш муддати 15-20 йил бўлиб, мадраса таълими аниқ бир йўналиш ва режа асосида олиб борилмаган. Мадрасада 15-20 йил давомида талабаларга 137 дан ортиқ ўқув фани ёки китоблар ўқитилган. Фанлардан Қуръон қироати илми (ретитация, тажвид), «Калом илми», «Ҳадис илми», «Фикҳ илми», «Пайғамбарлар тарихи», фалсафа, араб тили грамматикаси, мантик, нотиклик илми (риторика), ислом ақоиди, мерос ва бойлик тақсимоти, савдо-сотик муносабатлари учун «Фароиз илми» (математиканинг 4 амали ҳажмида) ва юқоридаги илмларга оид китоблар, назм ва насрда битилган асарлар ўқитилган³²⁰.

Мадрасаларда биринчи навбатда «Қуръон» ва унинг турли тафсирлари, «Ҳадис»лар тўпламлари, Имом ут-Термизийнинг «Шамойил ан-набавий», Сўфи Аллоҳёрнинг «Одоб-ас-солиҳин», «Маслак ал-муттақин», «Сабот ал-ожизин», Ғаззолийнинг «Кимёи саодат», «Маориж ан-нубувват фи мадориж ал-футувват» (Сияри шариф), Хиёлийнинг «Ҳикмат ал-айн», «Ал-виқоя» каби асарлар ва шарҳлар ўргатилган³²¹.

Мадрасаларда дунёвий билимлар деярли ўқитилмаган³²² бўлса-да унда аниқ фанлардан риёзиёт, табиий фанлардан нужум илми, география, ижтимоий фанлардан тарих, фалсафа, мантик илмлари, гуманитар фанлардан араб тили, баён ўтилган. Бундан ташқари шеър ва хуснихатдан таълим берилган, Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Жалолиддин Румий, Жомий, Навоий ва бошқа Шарк маънавиятининг илғор вакиллари асарлари ўргатилган.

³¹⁴ Абжад – араб рақамларининг ёзув орқали ифода этиш усули. Тарих (хронограмма), луғз, топишмоқ, муаммо ёзишда, бир неча алифболар тузишда абжаддан фойдаланишган.

³¹⁵ Фарзи айн – имон, ибодат, таҳорат ва бошқа ислом дини арконларини ўргатадиган билимлар мажмуаси.

³¹⁶ “Тўрткитоб” дегани. Исломга оид панд-насихатлар китоби. Шарафиддин Саной ал-Бухорий каламига мансуб. иккита шеърӣ ва иккита насрий мажмуадан иборат. “Чаҳор китоб” (“Тўрт китоб”) деб ҳам аталади. Китобда тоат-ибодат, шариатнинг қонун-қоидалари: фарз, суннат, намоз ва рўза ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, унда кизикарли воқеа ва ҳикоятлар, шарқона донолик намуналари баён этилган. Китоб форс тилида ёзилган бўлиб, туркий-ўзбек тилидаги таржималари ҳам мавжуд.

³¹⁷ “Маслак ал-муттақин” – Сўфи Аллоҳёрнинг асарларидан бири.

³¹⁸ Қаранг: Салижанова Г. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX – начало XX вв.). Дисс. канд. ист. наук. – Тошкент: ИИ АН Республики Узбекистана, 1998. – С. 19.

³¹⁹ Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. – Б. 86.

³²⁰ Керанский О. М. Медресе Туркестанского края. – Спб., 1893. – Б.3.

³²¹ Фитрат А. Ҳинд саёҳининг баёноти. // Асарлар. Т.1. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.34.

³²² Ибн Яминбек Худояров. Воспоминания. // Воспоминания Ибн Ямин бека Худаярханова (Худоёрхоннинг ўғли Ибн Яминбекнинг хотиралари). Отд. Оттиск. Перепечатано из Туркестанской Туземной газеты за 1893 год, № 22-28, 32. – С. 1-3.

Мадрасанинг сарф-харажатлари, унинг таъмири, вақфдан тушадиган маблағнинг тақсимоли, яъни барча харажат ишларига мутаваккил бошчилик қилган. Мутаваккилни мутаваллий³²³ тайинлаган. Мадрасаларда мударрислар дарс берган. Улар мадраса вақфи ҳисобидан маош олганлар. Мударрислар ҳам турли мавқеда бўлганлар ва фақат «Банорас тўнли» мударрислар хон қабулида бўла олганлар. Мударрисларнинг мавқеи асосан уларнинг билим даражалари ва талабалар орасидаги обрўларига қараб белгиланган.

Мадрасалар ўз таъминоти учун зарур бўлган моддий маблағларни ўз вақфларидан олганлар. Мутаваллий вақфлардан келадиган даромад ҳисобидан муъид³²⁴, муқаррир³²⁵, китобдор, фаррош, имом, сўфи, мужовир³²⁶, сартарош, посбон, ошпазларни ишга олиб, уларни маош билан таъминлаб турган.

II.4.4. Илм-фан, адабиёт

Ўрта Осиё давлатлари каби Қўқон хонлигида ҳам ислом дини жамиятнинг таянч мафкураси эди. Илк ва ўрта асрларда ислом дини доирасида мавжуд бўлган ҳурфикрлик тафаккурни табиий фанлар ва дунёвий фалсафага йўллаган ва бу ўз ўрнида аниқ, табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар ривожини таъминлаб берган бўлса, сўнгги ўрта асрларга келиб, анъанавий ислом, ақидапарастликнинг таъсири кучайди. Илм-фан, таълим ва маърифат соҳаларида диний таълимотлар ҳукмронлик қила бошлади. Руҳонийлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, маънавий ҳаётнинг барча соҳаларини ислом ақидаларига тобе қилишга, дин ва шариат тамойилларини янада чуқурроқ сингдиришга интилар эдилар. Маданий ҳаётда юзага келган бундай вазият XIX асрда Қўқон хонлигида илм-фаннинг аҳволига, айниқса бу соҳа ривожининг бир ёқламалилик хусусиятига сабаб бўлди.

Хонликда илм - фаннинг шу даврдаги ҳолати бутун Ўрта Осиёда бўлганидек Европада эришилган даражадан анча орқада бўлиб, омма фанларнинг барча соҳаларида қўлга киритилган янгилик ва кашфиётлардан беҳабар эди. Аниқ ва табиий фанларда мутаасиблик ва жаҳолат ҳукмрон бўлган. Масалан, 1873-йилда Мавлавий Риштоний (у Мавлавий чўбин номи билан машҳур эди) арқда куёш соатини ясаганида оломон уни сеҳргарлик ва жодугарликда айблаган ва ғалаён даврида уни уриб ўлдирган. Мирза Олим Махдум Ҳожи «Тарихи Туркистон» асарида илмий муҳит ҳақида: «Илму маорифда бўлса, Туркистонда ўтган Ибн Сино, Форобий, Улуғбек, Али Қушчи ўрнига ўлтурғон олим, файласуфи замон деганларимиз иззату нафс ва риёкорликка табдил бўлуб, жаҳл балосига мубтало бўлган эдилар...илми динсиз охират йўли топилмагандек, маориф ва камолотсиз дунё йўллари ҳам топилмас» деб ёзади³²⁷.

Бу даврда аниқ ва табиий фанларнинг хўжалик ва маиший ҳаётда, яъни амалиётда қўлланиладиган соҳаларигагина эътибор қаратилган. Кундалик турмушда тиббиёт, меъморчиликда математика ва ҳандаса, суғорма деҳқончиликда ўсимликшунослик, гидрология ва муҳандислик илмидан фойдаланилган. Шунга кўра, хонликда аниқ ва табиий фанлардан фақат тиббиёт, география, табиатшунослик фанлари билан шуғулланган олимларнигина кўрсатиш мумкин.

Улардан, тошкентлик олим Муҳаммадсолиҳ ибн Раҳматхўжа Раҳим Қорахўжа ўғли (Қорахўжа эшон домла) (1830-1890) ўлкашунос – географ, табиатшунос – зоолог олим сифатида фаолият юритган. У ўзининг «Тарихи жадидаи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») асарида Тошкент шаҳри ва воҳасининг географияси, топонимикаси, ўсимлик ва ҳайвонот оламини ёритганлиги фикримизнинг далилидир³²⁸.

Табобат ва хаттотлик билан шуғулланган Мулло Авазмуҳаммад ибн Мулло Рўзимуҳаммад сўфи ўғли (вафоти 1871-йилдан кейин) тиббиётга оид «Муфарриҳ ал-қулуб» («Қалблар сурури») номли асар муаллифидир. У аттор-табиб сифатида беморларни ўтлар ёрдамида даволаш билан ҳам машҳур бўлган³²⁹.

³²³ Мутаваллий – муайян вақф мулкига ва ундан келадиган даромадга вақф берувчи мулкига васийлик қилувчи, уни тақсимловчи диний амалдор.

³²⁴ Муъид – ёрдамчи.

³²⁵ Муқаррир – мирзо.

³²⁶ Мужовир – қўшни дегани. Мадрасанинг биноларига масъул шахс.

³²⁷ Мирзо Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Б. 22.

³²⁸ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.43.

³²⁹ Воҳидов Ш. Авазмуҳаммад Аттор Хуканди и его сочинение «Тарихи Джаханнамойи». Автореф. канд. дисс. – Тошкент: ЎзФАШИ, 1990. – С.12.

Астроном ва географ олим Ҳожи Юсуф Ҳайъатий 1842-йилда Хўжанд шаҳрида туғилган бўлиб, у дастлаб эски мактабда таҳсил олган. Унинг ўзи мустақил равишда астрономия, табиат, география фанларини ўрганган. 13 ёшида илк саёҳатга чиқиб, кўпгина давлатларда бўлган. Етти йил давомида Арабистонда, кейинчалик Сурия, Миср ва Грецияга борган. Унинг иккинчи саёҳати 1875-йилга тўғри келади. Бунда Ҳожи Юсуф Россиянинг Москва, Петербург, Одесса шаҳарларида, Туркия, Сурия, Миср, Арабистон, Жазоир, Марокаш, Испания, Франция, Италия, Греция каби давлатларга саёҳат қилган ва Эрон орқали уйига қайтган.

Алломаннинг баъзи илмий қарашлари руҳонийларга ёқмаган. Шунинг учун унга бир неча маротаба суиқасд уюштирилган. Лекин шунга қарамасдан илмий фаолиятини давом эттирган Ҳожи Юсуф, глобус ясаш билан халқ орасида машҳур бўлган. Олимнинг кўп йиллик меҳнати ўлароқ ёзган «Фалаккиёт» асари айрим сабабларга кўра бизнинг давримизгача етиб келмаган. Шунингдек, Ҳожи Юсуф табиблик билан ҳам шуғулланган³³⁰.

Ҳожи Муҳаммадҳакимхон тўранинг «Мунтахабут-таворих» асарининг охириги қисмида муаллифнинг узок саёҳати ва саргузаштлари ҳақида баён қилинган маълумотлари географик нуқтаи назардан диққатга сазовордир. Унинг ўз саёҳати давомида яратган географик тасвирлари фан учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳожи Муҳаммадҳакимхон тўра «Мунтахабут-таворих» асарида Волга дарёсидан кечиб, Аштархон ва Шимолий Кавказ орқали Қора денгизга (уни дарёи шўр деб атаган) борганини баён қилар экан, Рум (Туркия) султонларидан бири Қора денгизнинг чуқурлигини ўлчатиб кўрганлиги ҳақида маълумот беради. «Мунтахабут-таворих» асарида Туркистонга оид географик ва сейсмологик маълумотлар ҳам берилган. Жумладан, у 1823 йилда Фарғонада юз берган zilзила ҳақида батафсил баён қилган. Унинг географияга оид маълумотлари эса Ўрта Осиё географик адабиётининг саргузашт – саёҳат, мемуар жанри бўла олади³³¹.

Умуман олганда, хонликда аниқ ва табиий фанлар ўз ривожига давр талабларидан орқада қолиб кетган бўлсада, ижтимоий-гуманитар фанлардан тарих ва тарихнавислик, адабиёт кўпроқ ривож топди. Тарихнавислик Умархон даврида шаклланиган илмий муҳитда алоҳида ўринни эгаллайди. Қўқон тарихнавислик мактабига мансуб асарлар шеърий ёки қисман шеърий йўлда ёзилганлиги билан ажралиб туради. Бундай ҳолат қўқонлик тарихчиларнинг адабиётни яхши билганликлари ва ҳаттоки ўзлари ҳам шеъриятда қалам тебратганликларининг натижасидир.

Умархон (1810-1822-йй.) даврида Қўқон хонлигининг ўрдаси бўлган Қўқон шаҳри фақат хонлик пойтахти эмас, балки XIX асрда мамлакатнинг маданий маркази бўлиб, унда ўзига хос адабий муҳит шаклланди. У шоир, ёзувчи ва санъат усталарига ҳомийлик қилди, мадраса, масжид, мактаблар қуришга кўплаб маблағлар ажратди ҳамда ўзи ҳам шеъриятда қалам тебратди. Умархон даврида араб, форс тилларида ёзилган асарлар ўзбек тилига таржима қилинди. Ўз даврида унинг саройи адабиёт аҳли, илм-маърифат кишилари учун доимо очик бўлиб, «Умархон асри Фарғонанинг энг обод, илм ва фазл тараққий этган, атроф жонибдаги вилоят ва мамлакатлардин Умархоннинг авсофи ҳамидасини эшитган уламо ва фузало ва шуаролар жамъ бўлуб, илм ва фазл ривож топган эди»³³².

Муҳаммадалихон даврига келиб, адабий муҳит Умархон даврига қараганда бир маромга кирган бўлса-да у буюк ва машҳур ижодкорлардан анча холи эди. Саройдаги адабий муҳитга шоира Нодирабегим ҳомийлик қилган бўлсада Муҳаммадалихон ҳукмронлигининг охирига келиб, у тарқалиб кетди. Кўпгина ижодкорлар хон ва унинг амалдорларидан мадад кўрмаганларидан пойтахтдан вилоят марказлари бўлган Тошкент, Хўжанд, Ўратепа, Шахрисабз каби шаҳарлар ва Бухоро амирлиги ҳамда Шарқий Туркистонга кўчиб кетишди.

Истеъдодли шоир ва шоиралар, ёзувчилар, яъни ўз илмининг усталари юзага келтирган Қўқон адабий муҳитининг ўзига хос хусусияти, унинг вакиллари бир гуруҳи сарой адабий доирасига алоқадор бўлган. Сарой ва ҳукмрон доираларга алоқаси бўлмаган ижодкорлар анча эркин яшаб ижод қилганлар.

Қўқон адабий муҳити вакилларида Умархон, Фазлий, Мушрифлар кўпинча таклидан ижод қилган бўлсалар, иккинчи гуруҳ ижодкорлар сифатида Гулханий, Маъдан, Зорий, Муҳий ва бошқалар асарлари халққа яқин ва ҳаётий бўлган.

Қўқон адабий муҳитининг вакилларида Амирий, Вазир, Фазлий, Боқихонтўра, Гулханий, Ёрий, Хўқандий, Зорий, Маҳжуб, Махмур, Муҳтазиб, Мушриф, Муҳаммадюнус Тоиб, Муҳий, Муҳсиний, Насимий, Низомий, Хўқандий, Нодир, Нозил, Писандий, Рожий, Садоий, Анбар отин, Баҳри отин, Дилшод, Зебунисо, Зиннат, Кароматой, Нодирабегим, Саидабону, Тўти қиз, Увайсий,

³³⁰ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. – Тошкент: Ўзбекистон 1996. – Б. 225-229.

³³¹ Ўша жойда. – Б. 213-219.

³³² Мирзо Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Б. 38.

Фазилатбону, Фидойиа, Ҳафиза отин, Хайринисо каби бир қатор шоир ва шоираларни тилга олиш мумкин.

XIX аср Қўқон адабий муҳитининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин эгаллаган, Амирий таҳаллуси билан шеърлар ёзган шоир ва ҳукмдор Умархон (1787-1822) ижодининг бошқалардан ажралиб турадиган томони, унинг фалсафий ва лирик ғазаллар муаллифи эканлигидир. Муаллиф замондошлари юқори баҳо берган ғазалларини ўзбек ва форс тилларида ёзган.

Амирий шеърларидан девон тузилган бўлиб, айримлари бир қатор баёзларга кирган. Унинг девони 1882-йилда Истанбулда ва 1905-йилда Тошкентда нашр қилинган.

Бундан ташқари Умархоннинг топшириғи билан Фазлий ва Мушрифлар томонидан «Мажмуъат аш-шуаро» («Шоирлар тўплами») мажмуаси ҳам тузилган.

«... Умархон «Мажмуъат аш-шуаро» барпо қилиб, - деб ёзади Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи, - закий ва зариф шуаролардин жамъ айлаб, ҳамма шуароларнинг айтган қасоид ва ғазалиёт ва ашъоратларини жамлаб девон қилгандур... Хусусан, Умархон ўзи шоири ширинсухан эди. Айтган шеърлари Фарғона ва бошқа вилоятларда машҳурдур»³³³.

Шуни унутмаслик лозимки, бу амир ва шоир ўз шеърлари ҳамда атрофига йиғилган шоир, адиблар қалами орқали ўзининг ҳукмдорлик фаолиятини улуғлашни ҳам мақсад қилган. Инсонпарварликда ва ижодий баркамолликда Умархонни Маҳмур ва Гулханийлар билан тенглаштириш мумкин бўлмаса ҳам Амирий барибир XIX аср Қўқон адабий муҳитининг кўзга кўринган вакили, шоирлар ҳомийси эди.

1821-йилда тузилган «Мажмуъат уш-шуаро» тўплами (антологияси)нинг муаллифи шоир ва муаррих Фазлий Фарғоний Қўқон сарой шоирларидан бўлиб, у «Зафарнома» ёки «Шоҳнома» маснавийсида, қасидалари ва ғазалларида ҳам Амир Умархонни улуғлаган, мақтаган ва сарой ҳамда хон манфаатларини ҳимоя қилган ижодкор эди. Шунинг учун ҳам Умархон «Мажмуъат аш-шуаро»ни тузишни Фазлийга топширган. Тўпланда кўп фактик материаллар йиғилган ва XIX асрнинг биринчи чорагидаги адабий оқимлар ўртасидаги курашга доир маълумотлар берилган.

Бу асарда асосий ўрин ва эътибор Умархон, унинг вазири Қосим Бекларбеги, Шайхулислом Султонхонтўра Ахрорий (Адо), Бухоро амирзодаси Ҳусайнбек (Мир Мирий), Саййид Ғозихонтўра (Нола), Хўжакалон (Ринд) каби йирик шахсларга ажратилган. Бу шоирлар ижодида Қўқон хонлиги, унинг амири Умархон кўкларга кўтарилиб мақталган, уни ҳатто Ҳусайн Бойқаро ва Бобурдан ҳам «устун» қўйганлар. Албатта бундай баҳолар ҳақиқий бўлмай, улар адабиётдаги «фахрия» жанри асосида вужудга келган. Шу орқали мазкур даврдаги адабиёт мавқесини юқори поғонада кўрсатиш ва шеърятни тарғиб этиш мақсади кўзланиб, сарой шоирлари ҳам ўзларини «Аср Низомийси», «Замон Жомийси», «Сўз майдонининг Навойиси» деб аташган.

Тўпланда шоирларнинг Амирий ғазалига боғлаган назиралари кўпроқ ўрин олган. Мажмуада маснавий, баҳри тавил, қасида, ғазал, рубоий, муҳаммас, мусаддас, мутассаъ, мустазод, муфрадот, муаммо, мушоира жанрларида ва тарихий мавзуларда ёзилган ижод намуналари келтирилган бўлиб, бу эса бизга мазкур даврда шоирлар анъанавий адабиётнинг қайси жанр, тур ва услубларида ижод қилгани маълумотини беради. Шунингдек, Фазлийнинг бу тўпламидаги 1302 мисрали маснавийида шоирлар ҳаёти, ижоди ҳақида маълумотлар ва уларга таҳлиллар ёзилган бўлиб, унинг кириш қисмида 75 шоирнинг номи тилга олинган. Асарнинг яна бир хусусиятларидан бири, шоирлар ҳақидаги биографик маълумотларнинг шеърини шаклда, арузнинг мутақориби мусаммани мақсур баҳрида ёзилганлигидир. Бундай ёндошув Ўрта Осиё ҳудудларида бундан олдин тузилган тўплаларда учрамайди.

Келтирилган шеърини парчалар ва намуналарнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ўша давр сарой адабиётида ҳам қадимий маснуъ усули (шаклбозлик) давом эттирилиб, ҳатто мавзу ва мазмун доираси сусайиб қолгани ҳам аниқланади. Мансабдорларни мақтаб, мадҳ этиш ва беҳуда олқиш каби сафсаталар шоирлар ижодидаги мезонлардан бирига айланиб бораётган экан. Мирзо Шариф Дабир Самарқандий бу масалага ўз муносабатини билдириб: «Бу замонда мақтовга тушиб кетган сўз айтувчилар – шоирлар фозил ҳам, олим ҳам ва инсофли кишилар ҳам эмаслар», - деб таъкидлаган эди³³⁴.

Аммо, Қўқон адабиёти вакиллари ичида ўша давр воқеа-ҳодисаларини диққат билан кузатиб борган, турмуш ва тирикчилик муаммоларини ҳал қилиш ҳақида бош қотирган, халқнинг орзу-умидларини ифодалаган, ўзининг инсонпарварлиги билан алоҳида ажралиб турган Гулханий, Маҳмур, Маъдан, Ҳозик каби шоирлар ижодида муҳим ғоявий-бадий янгиликлар ҳам кўринар эди.

³³³ Ўша жойда.

³³⁴ Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. – Б. 34.

Уларнинг ноиложликдан вақти-вақти билан Умархон ғазалларига боғлаган назиралари «Мажмуъат уш-шуаро»га киритилган ва шу назиралари учун мактаб тилга олинганлар. Лекин, бу ижодкорларнинг диний мутаассиблик муҳитини танқид қилувчи асарлари тўпламга киритилиши у ёқда турсин, балки шундай асарлар ёзганликлари учун Фазлий ва бошқа шоирлар томонидан камситилиб, ҳақорат қилиндилар. Шундай муносабат ва танқидга қарамай, бу шоирлар ҳақиқатни куйлашга интилдилар ва мавжуд шарт-шароитга қарамай диққатга сазовор асарлар ижод эта олдилар.

«Мажмуъат аш-шуаро»нинг ғоявий йўналиши панегирик³³⁵ қоидаларга асосланганлиги асарнинг қимматини бироз туширади. Чунки асарда номлари тилга олинган 80 га яқин (академик В.В.Бартольднинг ҳисобига кўра китобда 101 шоирнинг шеъри бор)³³⁶ шоирлардан Амирий, Адо, Фазлий, Ҳотиф, Мир ва бошқалар каби саройга яқин қаламкашлар кўкларга кўтариб мақталса, оддий халқ қайғу-ташвишига яқин, ҳукмрон доираларга маъқул бўлмаган асарларни ижод этган Гулханий, Маҳмур, Ҳозик, Туробий, Кошиф, Маъдан каби ижодкорлар турли баҳона ва сабаблар билан қораланган ва ғаразли танқид қилинган.

XIX асрда яшаб ижод этган, кўпроқ қасида ва тарихий мавзуларда ижод этган Боқихонтўра ҳақида етарлича маълумот йўқ. Бу шоирнинг тарихий асарларидан намуналар «Ансоб-ас-салотин ва таворихи ал-хавоқин» («Султонлар насаблари ва ҳоконлар тарихлари») китобида келтирилади³³⁷.

XVIII аср охири - XIX асрнинг бошлари яшаб, ижод қилган ўзбек шоири ва масалчиси Муҳаммадшариф Гулханий Кўқон хонлиги адабиётининг энг йирик вакиллари билан бирдир. Кўплаб мумтоз асарларни ўрганган ва ижод билан мустақил равишда шуғулланган шоир ўзининг юксак истеъдоди туфайли Умархон ҳукмронлиги даврида сарой шоирлари даврасига кириб келди. Маълум муддат саройда фаолият юритган Гулханий бу ердаги мунофиқликларга чидай олмади. Ўзи яратган асарларида меҳнаткаш омманинг руҳиятини ифодалаб, уларнинг ҳукмрон табақалар жабр-зулми остида азоб чекаётганлигини кўрсатиб берди. Шунинг учун Гулханий таҳаллуси ёнига Журъат таҳаллуси ҳам қўшилди.

Фазлий тузган тўпламда Гулханийнинг ҳаёти, ижоди, шоирнинг 12 ғазали ва бир қасидаси ўрин олган бўлиб, булар «Ангуштам» (бармоғим), «Аз чашми ман» (кўзимдан), «Эй тўти», «Ангушт» (бармоқ) радибли ҳамда «Лола кўксидек бағрим таҳбатаҳ қаро қонлар» ва «Термалиш май тобидан гулбарги рухсорим кўринг» билан бошланган ғазалларидир. Гулханий ғазалларида лирик қаҳрамонлар асосий ўрин олади. Уларнинг айримлари Умархон шеърларига қасидадир.

Возех Бухорийнинг «Тухфат ал-аҳбоб фи тазкират ал-асҳоб» («Саҳобалар зикри хабиблар учун тухфа») асарида Гулханийнинг ижоди ҳақида маълумотлар учрайди. Унинг таъкидлашича Гулханийнинг шеър ва қасидалар девони бўлган³³⁸, лекин, у ҳозиргача топилган эмас. Муаллифнинг бизгача етиб келган ғазал ва қасидалари билан бирга, унинг ҳажвиялари ҳам бўлиб, унинг насрий «Зарбул масал» (Япалоқ куш ҳикояси) асари машҳурдир.

Шоирнинг ҳаёти оғир, турмуши қашшоқликда ўтган. Унинг отаси хон қўшинида юзбоши бўлиб хизмат қилган. Муҳаммадшариф ҳам вояга етгач Олимхон саройида (1798-1810) навкарлик қилган. Бир неча урушларда ўзини кўрсатганлигига қарамасдан хон унинг хизматларини тақдирламаган. Шоирнинг Гулханий³³⁹ таҳаллусини олишига сабаб ҳам шу бўлиб, у ўзи яшаган Кўқон ва Наманган шаҳарларида ҳаммомда ўт ёқувчилик билан кун кечирган. Гулханий «бидех» (бергил, бер менга) радибли ғазалида ўз ҳаёт йўлини, яъни навкарлик давридаги аянчли аҳволи, машаққатли турмуши, моддий ночорлигини ёритиб берган. Бу шоирнинг воқеа-ходисаларга ҳаққоний ва холис ёндоша олишини кўрсатиб беради. Гулханий ижодининг шу жиҳати клерикал оқим намоёндаларига ёқмади ва улар шоир шеърларини камситдилар. Гулханий бундай танқидларга қарамай ҳаётни севган ва сермахсул ижод қилган.

Умархон қўшинининг сипоҳи бўлган Маҳмур (XVIII аср охири -1844-й) ёшлигидан шеърятга ҳавас қўйган, Навоий, Жомий каби етук адибларнинг ижодий меросини чуқур ўрганган ва Қўқон адабий муҳитининг шаклланишига катта ҳисса қўшган шоирлардандир.

Унинг отаси Шермуҳаммад Акмал ўз даврининг етук шоиридан бўлиб, ўғли Маҳмурнинг истеъдодидан хабар топгач унга Мир мадрасасида таҳсил олиш учун шароит яратиб беради. Замонасининг билимларини чуқур эгаллаган Маҳмур халқпарвар йўналишдаги шоир бўлиб етишди. У ўзининг илғор қарашларини ифодалашда классик шеърий услублар, ғазал, қасида, мухаммаслардан

³³⁵ Панегирик – маддоҳона, мадҳ этувчи дегани.

³³⁶ Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан в 1902 г. / Сочинение. Т. 8. – Москва: Издательство восточной литературы, 1973. – С.206-207.

³³⁷ Ўзбек Миллий Энциклопедияси. 1-жилд, – Б. 195.

³³⁸ Возех Бухорий. Тухфат ал-аҳбоб фи тазкират ал-асҳоб. – Бухоро, 1915. – Б. 54.

³³⁹ Исҳоқов Ф. Гулханийнинг «Зарбул масал» асари. Т., 1976. – Б.10.

унумли фойдаланди. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган шоир бадиий жиҳатдан етук асарлар яратди ва ўз даврининг таниқли ижодкорлари ғазалларига муҳаммаслар битди.

Иқтисодий муҳтожликда кун кечираётган шоир аксарият асарларида эътиборини халқнинг аянчли турмушини ёритишга, замонасидаги зиддиятлар ва сарой маддоҳларини фош этишга, мамлакатдаги тенгсизлик ва адолатсизликни кўрсатиб беришга қаратди.

Муаллиф ўзининг «Ҳапалак», «Таърифи вилояти Қурама» каби шеърларида замонасидаги адолатсизликларни қораласа, лирик шеърларида эса инсоний муҳаббат, ҳаёт гўзалликларини мадҳ этади.

Махмурнинг ҳажвий йўналишдаги шеърлар девони мавжуд. Унда 69 асар тўпланган бўлиб, лирик асарлари эса баёзларда учрайди³⁴⁰.

Кўқон адабий муҳитининг вакилларида бири Нодир ҳақида маълумотлар жуда кам бўлиб, шоир тўғрисидаги айрим маълумотлар Фазлийнинг «Мажмуъат аш-шуаро» тўпламида учрайди. Бу маълумотларга асосланиб, Нодирни нафис шеърлар муаллифи ва моҳир хаттот дейиш мумкин. У форс ва араб тилларини мукамал билган. Амир Умархон ва Муҳаммадалихонлар ҳукмронлиги даврида саройда хизмат қилган бўлсада, унинг «Ҳафт гулшан» («Етти гулшан») достонидаги маълумотларга қараганда, у фақирона ҳаёт кечирган.

Достон аслида Нодирага бағишланган бўлиб, 7 мустақил шеърый ҳикоядан ташкил топган. Бу асар бадиий жиҳатдан пишиқ ва унда сурилган ғояларнинг инсонпарварлиги, адолат, муҳаббат ҳамда садоқатга қаратилганлиги Нодирнинг илғор фикрли ижодкор эканлигини кўрсатади.

Умархон саройида фаолият кўрсатган, кейинчалик фақирона ҳаёт кечирган шоирлардан яна бири Нозил Авазмуҳаммад (1788, Хўжанд-1876, Кўқон) бўлиб, унинг ижоди ҳақидаги баъзи маълумотлар XIX асрда Кўқонда тузилган тўплам ва баёзларда учрайди. Бизгача Нозилнинг ҳажми ўн минг мисрага яқин 480 саҳифалик девони етиб келган бўлиб, унинг ижодини мазмун-моҳияти Махмур ва Гулҳаний каби шоирларнинг шеърятига ҳамоҳанг. Нозилнинг асарларида ҳам замон иллатлари ва ҳукмрон табақалар устидан шикоят ифодаланади.

Кўқон адабий муҳитида ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган шоир Одинамуҳаммад (1761 - 1838) Маъдан (шунингдек, «Камина» тахаллуси билан ҳам шеърлар ёзган) нинг ҳам ўрни юқоридир. Унинг ижоди хон ва сарой аҳли томонидан ижобий қабул қилинмаган бўлса-да, халқ орасида жуда машҳур бўлган. Шоирнинг адабий мероси ғазал, муҳаммас, мусаддас, рубоий, чистон, муаммо, тарих, қитъа, марсия каби жанрларда ёзилган асарлардан иборатдир. Маъдан ўз шеърларида хон, амалдорлар ва маҳаллий бойларни очикдан - очик танқид қилган³⁴¹. Шунинг учун амалдорлар уни ҳатто калтаклашган ва у фалаж бўлиб қолган³⁴². Аммо, шоир замонанинг долзарб мавзуларига атаб шеърлар ёзишни давом эттираверган. Унинг ижодида адолат, садоқат, мардлик, саховат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик каби ижобий фазилатлар куйланган ва хушомадгўйлик, порахўрлик, ман-манлик, кибру-ҳаво қаттиқ қораланган.

Кўқон адабий муҳитида шоирларнинг адабий фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди. Маърифатпарварлиги билан танилган, ўз ижодида «Комила», «Макнуна» тахаллуслари билан ҳам шеърлар ёзган ўзбек шоираси Нодирабегим (Моҳларойим) (1792-1842) Андижон ҳокими Раҳмонқулибийнинг қизи эди. Кўқон хони Олимхон ўз укаси Умархонни Марғилонга ҳоким қилиб тайинлаганидан сўнг, уни Нодирабегимга (1808й.) унаштирди³⁴³.

Шоира 1822-йилда Умархон вафотидан кейин тушкунликка тушиб қолмади. Балки, 14 ёшли ўғли Муҳаммадалихон тахтга ўтиргач барча имкониятлардан фойдаланиб, маданият ва санъатни ривожлантиришга ҳаракат қилди. Унинг замондоши бўлган сарой шоири Ҳожир шундай ёзади: «Умархон вафотидан кейин бу ифбат садафининг инжуси Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳарлардан фозиллар, олимлар, хаттотлар, наққошларни ўз хизматиغا чақириб келди»³⁴⁴.

Нодира ўз ҳаёти давомида илм ва адабиёт аҳлини ижод қилишга ундади ва уларга шароит яратиб берди. У яхши ишлаган котибларга тилла қалам, кумуш қаламдон бериб, уларни «Заррин қалам»лик мансабига кўтарди³⁴⁵.

Нодира адабий меросининг таҳлили шуни кўрсатадики, у мумтоз шеърятнинг барча жабҳаларида қалам тебратган ва унинг ўзбекча ва тожикча ғазаллари 5,7,9,13 ҳатто 18 байтли ҳажм

³⁴⁰ Қаранг: Қаюмов А.П. Махмур. -Тошкент:Фан. 1956; Шу муаллиф. Кўқон адабий муҳити. – Б. 162-211.

³⁴¹ Маъдан. Ашъори мунтахаб, Душанбе:Ирфон, 1966. – Б.127.

³⁴² Мухтаров а.Х. Шоир Маъдан. -Тошкент:Фан. 1975. – Б. 6-14.

³⁴³ Қаранг: Қодирова М. Давр нодираси (Нодиранинг ҳаёт ва ижод йўли). – Тошкент: Фан. 1991. – Б. 3-4.

³⁴⁴ БобобековХ. Кўқон тарихи. – Б.170.

³⁴⁵ Ўша жойда.

ва арузнинг турли вазнларида яратилган³⁴⁶. Мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттирган шоира Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларига мухаммаслар боғлаган, ўз ғазалларида кўпроқ «мукаррар»³⁴⁷ ва «қўш мукаррар» усулларини қўллаганлиги билан ажралиб турган.

Асосини лирика ташкил этган Нодиранинг шеъриятида муҳаббат, садоқат ва вафо куйланади. Шоира гўзаллик ва садоқатни, Шарқ хотин – қизларининг дард-аламлари ва оху-фигонларини куйлайди. Лирик ғазалларининг чуқур мазмундорлиги ва инсонпарварлик мавзулари билан ўша даврдаги илғор ғояларни тараннум этади.

Шу билан бирга, у ўз асарларида хонликлар ўртасидаги ўзаро урушларга норозилик билан қарайди, даврнинг инсонийликка зид бўлган мудҳиш қонунлари ва урф-одатларига қарши норозилик туйғуларини ифодалайди. Жоҳил амалдорлар, риёкорларни қоралайди ва ҳокимлардан адолат талаб қилади³⁴⁸.

Хонлик адабий муҳитининг йирик вакилларида яна бири Увайсий акаси Оҳорижон Ҳофиздан шеъриятни ўрганиб, аруз, мукамал санъатини чуқур ўзлаштиради. У Қўқон адабий муҳитига кириб борар экан, мушоираларда фаол қатнашади ва саройда Нодира ва бошқа шоираларга устозлик қилади.

Дилшод ўз асарларида Увайсийнинг Нодирабегим билан хонликнинг кўпгина шаҳарларига борганлигини, лекин давр сиёсий танглиги туфайли умрининг охирини Марғилонда ўтказганлигини ёзади.

Шоиранинг 4 девони борлиги ҳақида маълумотлар бўлсада, лекин бу девонларининг асл нусхалари ҳозиргача топилмаган. Увайсий ҳам Нодирабегим сингари мумтоз ўзбек шеъриятининг деярли барча жанрларида ижод қилган. Унинг асарлари ғоявий-тематик доираси ва кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Айниқса, шоиранинг «Анор» чистонида даврнинг ижтимоий воқеалари, аёллар тутқунлиги моҳирона баён этилган.

Дилшоди Барно маърифатпарвар тожик шоираси бўлиб, унинг бизгача етиб келган кўплаб ўзбек тилида ёзган ғазаллари борки, муаллифни ўзбек шоираси деб ҳам аташ мумкин³⁴⁹.

17 ёшида асир тушгач Ўратепадан Қўқонга келтирилади ва шу ерда бир ўзбек йигитига турмушга чиқади. Шоира умрининг охиригача Қўқонда яшаб, ижод қилади. Дилшод шоиралик билан бир қаторда мактабдорлик ҳам қилган ва кўплаб шоираларни тарбиялаб етиштирган.

Шоира яратган ғазал, мухаммас, мусаддас, бадий хотираномалар, дostonлар («Тарихи муҳосара», «Хатти мунтахаб ал-ашъор», «Замонадин шикоят», «Ҳаёт мадҳи» ва бошқалар)да реал тарихий ҳодисалар, халқ ҳаёти ва турмуши ҳақида фикр юритилади. Унинг асарлари тарихий манбаларга бойлиги, ижтимоий мазмундорлиги, ҳаққонийлиги, халқпарвар ғоялар билан суғорилганлиги учун ҳам ўзбек ва тожик мумтоз адабиётининг муҳим намунаси ҳисобланади³⁵⁰.

XIX асрда яшаб, ижод қилган Қўқон шоираларидан бири Зебунисодир. «Ашъори нисвон» (Аёлларнинг шеърлари) тазкирасида ёзилишича, Зебунисо ўз даврининг билимли ва оқила аёлларидан бири бўлиб, шу тўпламда шоиранинг ижодидан намуналар келтирилади. Унинг шеърларида асосан эрк ва адолат туйғулари тараннум этилади.

Қўқон хонлигида яшаб, ижод этган яна бир ўзбек шоираси Маҳзуна бўлиб, шоиранинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида тўла маълумот йўқ. Лекин, у ҳақидаги айрим маълумотлар Фазлийнинг «Мажмуат аш-шуаро» («Шоирлар тўплами») ва «Тазкирайи Қаюмий» («Қаюмий тўплами») асарларида учрайди³⁵¹. Маҳзунанинг девони хусусида айрим маълумотлар учрасада, лекин бу девони ҳали топилмаган.³⁵²

Юқорида номлари айтиб ўтилган Қўқон адабий муҳити вакиллариининг ижодидан кўриниб турибдики XIX асрда хонликда адабиёт кенг ривожланган ва кўплаб истеъдодли шоир ва шоиралар етишиб чиққан.

Умуман айтганда, XIX асрда Қўқон хонлигида мамлакатнинг аввалги ҳукмдорларидан фарқли ўлароқ маданий ҳаёт ва адабий муҳитни шакллантиришда темурийлар даврига тақлид яққол намоён бўлади. Буни ҳукмдор Умархон даврида шаклланган, унинг бошчилигида фаолият кўрсатган адабий

³⁴⁶ БобобековХ. Қўқон тарихи. – Б.171.

³⁴⁷ Ғазалнависликда сўзнинг такрорланиб келиши

³⁴⁸ Қодирова М. Давр нодираси. – Б.4.

³⁴⁹ БобобековХ. Қўқон тарихи. – Б.165-167.

³⁵⁰ Қаранг: Мухтаров А. Дилшод-Барно и ее место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX – начале XX в. Душанбе: Ирфон, 1969. – 372 с. Дилшоди Барнонинг тарихий асарларини таҳлилига қаранг: Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. – Б.137-142.

³⁵¹ Қаюмий Пўлоджон. Тазкирайи Қаюмий. – Б. 155-160.

³⁵² Қаюмов А П. Қўқон адабий муҳити. – Б. 235-241.

муҳит ва адабиёт намояндаларининг мероси мисолида, яратилган асарларнинг шакли ва жанрларида кўриш мумкин. Маданий ҳаёт ва адабий муҳитда ҳам минг сулоласини маданий легитимлашга интилиш устунлик қилди.

Шундай қилиб, Қўқон хонлиги адабиёти вакиллари асарларининг мазмунига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга панегирик йўналишда қалам тебратувчи, иккинчи гуруҳга халқнинг орзу – умидлари, интилишларини куйловчи ижодкорлар мансуб бўлган.

Хонлик маданий ҳаётининг бошқа ўзбек давлатларидан фарқли жихати унда шоирларнинг фаол иштирок этганлигидир.

II.4.5. Хаттотлик.

XIX асрда хонликда хаттотлик ва китобат иши ҳам ривож топган эди. Умархон ва Муҳаммадалихон даврларида хаттотлик санъатига алоҳида эътибор берилган, Куръон, диний ва мумтоз асарлар моҳир хаттотлар томонидан безатилиб, кўчирилган. Жумладан, Навоийнинг кўплаб девонлари кўчирилган. Лутфий, Навоий, Амир Умархонларнинг девонларидан иборат «Муҳаббатнома» мажмуаси тузилиб, махсус безаклар билан безатилиб, Умархон томонидан Турк султониغا совға қилиб юборилган. Бедилнинг худди шу тарзда тузилган девони ҳам шу давлатга совға тарзида жўнатилгани маълум³⁵³.

Қўқон хаттолик мактаби ривожда Муҳаммадалихоннинг ўзи ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Мазкур Қўқон хони (1822-1842) қалами билан кўчирилган китоб ва қитъалар бизгача етиб келган. Бундан ташқари Мадалихоннинг хаттот шогирдлари ҳам бўлган. Улардан бири Муҳаммадкомил Ҳисорий бўлиб, хон ҳузурида нафақат хаттотлик, балки қурол-аслаҳа ясаш, наққошлик, муҳр ясаш ва заргарликни ҳам икки йил давомида ўрганган экан³⁵⁴.

Қўқон хонлигининг ўз хаттотчилиқ мактаби бўлиб, мамлакатда кўплаб истеъдодли хаттотлар яшаб, ижод қилганлар. Хонлик хаттотлари ўз услублари билан бошқа мактаб вакилларида ажралиб турган. Яъни хаттотларнинг аксарияти шоир, тарихчи бўлган ёки миниатюра санъати билан шуғулланган.

Хусусан, Муҳаммадлатиф Қўқоннинг машҳур хаттотларидан бири бўлиб, у насталиқ хати билан Навоийнинг девонини, китобат қилувчи хаттот Мирзо Шариф Дабир Фузулийнинг девонини настаълиқ ёзувида кўчирган. Мир Афзал Хўқандий насх, шикаста, настаълиқ каби ёзув усуллари билан кўплаб китобларни кўчирган. Шунингдек, Абулғози Хўжа Хўқандий (Навоий «Хамса»сини кўчирган), Мирзо Бобокалон Хўқандий («Тазкираи Султоний» китобини кўчирган), Мирзо Мир Муҳаммадий Хўқандий Мирзо Муҳаммад ўғли (асли бухоролик, 1855-йил Қўқонга кўчиб келган, арк пештоқидаги ёзувларнинг муаллифи), Мир Афзал Хўқандий («Нисоб ас-сибён» изоҳли луғатини кўчирган), Муҳаммадниёз Хўқандий Ашурмуҳаммад ўғли («Ибрат ал-хавоқин» асарини ёзган ва насталиқда кўчирган), Аҳмаджон котиб (аслида касби пўстиндўз бўлган), Абдуғафур хаттот («Зафарномаи Худоёрхон» асарини кўчирган), Мулла Муҳаммадсодиқ ибн Мулла Жумакул Хўқандий («Гулшан роз» асарини, Жомийнинг «Ҳафт овраг»ини кўчирган), хаттот Мулла Саримсоқ Хўқандий (Алишер Навоий девонини кўчирган), хаттот Мирзо Шариф Дабир («Девони Фузулий»ни кўчирган), Муҳаммадниёз Хўқандий («Қуръон «дан нусхалар кўчирган) каби хаттотлар ижод қилган³⁵⁵.

Тошкентлик хаттотлардан Муҳаммадюнус Тоиб Тошкандий тарихчи ва шоир сифатида ижод қилган. У насх, настаълиқ, шикаста ёзув усуллари пухта эгаллаган. Ундан ташқари эшон

³⁵³ Эркинов А. XIX аср боши Қўқон хонлигида легитимацион сиёсат ва унинг шеърятда ифодаланиши (Адо ва Фазлий шеълари асосида) / Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Фарғона, 2009. – Б.207-210. Шу муаллиф: Les copies des anthologies poétiques persan-chaghatây de la Bibliothèque nationale de France : contribution à l'étude des bayâz de l'Asie Centrale (XVe-XIXe s.) // Studia Iranica. 33/2 (2004). – P. 221-242; Шу муаллиф: Imitation of Timurids and Pseudo-Légitimation: On the origins of a manuscript anthology of poems dedicated to the Kokand ruler Muhammad 'Ali Khan (1822-1842) <http://www.nornadscl.de/calendar.html>; Шу муаллиф: Les timourides, modèles de légitimité et les recueils poétiques de Kokand. in: Ecrit et culture en Asie centrale et dans le monde turko-iranien, XTVe-XIXe siècles // Writing and Culture in Central Asia and in the Turko-Iranian World, 14th-19th Centuries. F. Richard, M. Szuppe (eds.) // Cahiers de Studia Iranica). Paris, 2008. – P. 285-330; Шу муаллиф: Un témoin important du mécénat de Muhammad-'Ali khan, le manuscrit Supplément persan 1446 de la BNF. // Studia Iranica. 37, 2008. – P. 129-138.

³⁵⁴ Ганжи парешон / Тадқиқоти А. Ҳабибов. – Душанбе: Ирфон, 1981. – С. 284-285.

³⁵⁵ Қаранг: Муродов А. Ўрта осие хаттолик санъати тарихидан. – Тошкент:Фан. 1971. – Б.32 ; Воҳидов Ш., Чориев З. Садри Зия и его библиотека. / Из истории книги и книжного дела в Бухаре конца XIX начала XX вв. // Книги, библиотеки, каталоги. Т. 1. – Тошкент: Янги аср авлоди. – С. 3-38. (Каталог. – С. 54.); Рожий. Рисолайи хаттотин. // Қўлзма. ЎзФАШИ. – 2829-рақам; Охунжонов Э. Ватан кутубхоначилиги тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент, 2004. –106 б.; Шу муаллиф. Ватан кутубхоначилиги тарихи. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2008. – 306 б.

Абдулвахобхўжа муҳркан ва эшон Абдусамийхўжа хатиб ўғли ҳам кўзга кўринган хаттолардан бўлган³⁵⁶.

Улар Шарқ алломаларини кўп асарлари, диний китобларни кўчириб хат ва китобат анъаналарини давом эттирганлар. Хаттотлар ва котибларнинг асарлари Қўқон, Тошкент, Душанбе, Москва, Санкт-Петербург ва бошқа шаҳарларнинг музей, қўлёзма хазиналарида сақланаётир. Шу хаттотлик мактабининг етук вакиллари маънавий ва моддий маданиятимиз ривожига тарихига улкан ҳисса қўшган ижодкорлар ҳисобланади. Хаттотлардан Абдулғозийхон ибн Тўрахўжа Истаравшани Алишер Навоийнинг «Чор девон»и ва «Хамса»сини (1848 й.), Абдулқаҳҳор ибн Уста Қўқандий-Самарқандий Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ал-қулуб»ини, Абдурахмон ибн Муҳаммадбой-Мирёқуб хаттотнинг шогирди Мавлоно Шохмуҳаммад Саломатуллоҳ Кашфий Минавий девонини кўчириб, бизга ёдгор қолдирганлари маълум. Аброр хаттот араб хатлари (куфий, таълиқ, насх, сулс, райҳон, риқоъ, настаълиқ)да устоди комил эди. Авазмуҳаммад ибн Ҳожи Муҳаммад Лисоний Хўжандий мулаққаб ба Мусаввир Бухоронинг Кўкалдош мадрасасида таҳсил олиб Хўжандга қайтади ва Намозгоҳ мадрасасида дарс берарди. У ҳам араб хатида моҳир бўлиб, Нозилнинг иккита девонини ҳамда Ғаний Кашмирийнинг девонини кўчирган. Бу асарлар Ўзбекистон Фанлар Академияси Қўлёзмалар институтининг хазинасида сақланмоқда. Ўратепалик Авлиёхон эса 7 хатда устод бўлиб, шикаста хатини чиройли ёзган. Унинг шу хатда кўчирган Нозим Ҳиравий қаламига мансуб «Юсуф ва Зулайҳо» асари қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган.

Аҳмаджон Хўқандий (1828-1912) сулс ва настаълиқда битишда шуҳрат қозонган бўлиб, асли касби пўстиндўзлик эди. Унинг томонидан кўчирилган қитъалар Қўқон адабий музейида сақланади. Баҳжат Мирза Аюб ибн Мушриф Исфарагий Хўқанднинг «Хон» мадрасасини тамомлаган фозил, шоир ва хаттот сифатида машҳур эди. Фазлий Намангоний унинг ҳақида шундай ёзади:

Гарат ҳусни маънист мадди назар,
Зи таҳқиқи Баҳжат машав беҳабар.

(Таржимаси:

Агар мақсадинг сўз маъноларини яхши англаш бўлса,
Баҳжат яратган мазмун-маънолардан хабарсиз қолма].

Возеҳ ўз асари «Тухфат ал-аҳбоб фи тазкират ил-асҳоб»да Баҳжатнинг зукко таъб шоир ва моҳир хаттотлигини мактаб тилга олган (Энциклопедияи ... II, 259].

Бобокалон Мирзо Ризо Бобошариф Дабирнинг шогирди эди. Истаравшан ва Қўқонда ижод қилиб, сулс, насх ва настаълиқда битувчи уста хаттот бўлган. Абдулвасеъ Манзурнинг «Тарихи султоний» номли маснавийсини 1870 йили настаълиқ хатида кўчирган. Асар Худоёрхонга бағишланиб, 142 варақдан иборатдир ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида инв. №9293 рақам остида сақланади. »

Боқимуҳаммад Ўратепагий Тўрахўжа хаттотнинг шогирди. Кўп асарларни китобат қилган. У кўчирган «Нигористон» китоби инв. №3494 рақами остида Шарқшунослик институтида маҳфуздир. У китоб таъмирловчи ҳам бўлиб, кўп қадимий ва ноёб китобларнинг қўлёзма нусхаларини қайтадан яроқли ҳолга келтирган.

Мирзо Баҳром эса настаълиқ ёзувининг моҳир устаси бўлган. У китобат қилган асарлар «Юсуф ва Зулайҳо», «Силсилат аз-заҳаб» (Жомийники), «Тарихи Роқимий» (Мир Саййид Шариф Роқимники), «Қасидаи Бурда» (Бусайрий) №№5017, 2460, 5645 рақамлари билан Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Саййидфозил Хўжандий (1764-1838) Бухорода таҳсил олган бўлиб, у шоир, олим, буюк хаттот сифатида ном чиқарган. Ундан ёдгор қолган китобат ва хаттотлик намуналари кўп.

Мир Маҳмуд (Қори ибн Шамсуддин) 1832 йили Қўқон шаҳрида туғилиб, 1902 йили вафот этган. У ҳам настаълиқ хатини битишда ўта маҳоратли бўлган. Қўқон адабий музейида у кўчирган бир қанча қўлёзма нусхалар мавжуд. Қорининг ўзи кўчирган шеърлар девони ҳам бўлиб, 1313 рақами остида Шарқшунослик институтида сақланади.

Мирсидиқ Истаравшаний. Бу хаттот томонидан кўчирилган «Муҳити аъзам» (1849), Бедил девони (1853), «Юсуф ва Зулайҳо» (Нозим Ҳиравийники 1851 йили) настаълиқ хатида ёзилган бўлиб, мусаввара ва жадваллар билан безатилган бу нусхалар ҳам бизгача етиб келган.

Муҳаммадёқуб Тошкандий настаълиқнинг шикаста ёзувида битиш ҳамда муҳр яшаш, китоб безатишда ном чиқарган. Муҳаммадёқуб Бедилнинг «Муҳити аъзам», Жомийнинг «Ваҳдати вужуд», Фаттоҳийнинг «Шабистон» асарларини настаълиқнинг шикаста ёзувида кўчирган бўлиб, мазкур қўлёзмалар ҳам Шарқшунослик институтида сақланади.

³⁵⁶ Султонов Ў.А. Кўрсатилган асари. – Б. 194.

Кейинчалик кўқонлик хаттотларнинг кўп шогирдлари Туркистон шаҳарларида очилган тошбосмаҳоналарда, матбаалар ва нашриёт ишларида хизмат қилганлар. Бу ажойиб санъат ва илм ҳозирги кунда қайта тикланмоқда.

* * *

Россия таркибига киргандан сўнг Ўрта Осиё ҳудудида асосан рус маъмурияти қўл остига ўтган вилоятларга капиталистик муносабатлар, яъни пул-мол муносабатлари ҳам кириб келди. Савдо сотик билан машғул бўлган – компрадор буржуазияси шакллана бошлади. Мануфактура, уй саноати, меҳнатнинг цех шаклида ташкил этилиши тартиби, ишлаб чиқариш корхоналари, XIX асрнинг охирларида эса қайта ишлаш корхоналари (мой ва пахта заводлари) пайдо бўлади. XIX асрнинг охирларида Ўрта Осиё бутунлай Россия капитализмининг мустамлакасига айланди. Шу сабабли Ўрта Осиёдаги хўжалик 1865-1890 йилларгача Рус капиталистлари учун хом ашё манбаи бўлди. Бу даврда Ўрта Осиё Россия саноатчилари учун ички бозор ўрнини ҳам бажарарди. Саноатнинг арзон моллари Ўрта Осиёга келиб келинарди. Натижада анъанавий ишлаб чиқариш усуллари ҳамда касбларга қаттиқ зарба берилди. Рақобатга тоб бермаган маҳаллий косиб ва хунармандлар касод бўлиб шаҳарлардаги камбағаллар табақаси сафига қўшилдилар.

Сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалигига ҳам капиталистик муносабатлар кириб боради. Катта ер эгалари камбағал бўлган ерсиз деҳқонларни мулкларига ёллантириб қўшимча меҳнат ҳақини ўзлаштирадилар.

Майда хўжаликлар эса янгича пул-мол муносабатларига тоб бермай булар ҳам ҳароб ва касод бўладилар. Деҳқонлар қарзлари эвазига ҳамда Чоризмнинг колониал сиёсати натижасида ерсиз қолиб, улар ҳам шаҳарларга келиб ўша люмпенлар сафига кирадилар. Кўплари мавсумий ишлар билан шуғулланадилар.

XIX асрнинг охирларига келиб Туркистон вилоятининг иқтисодиёти молия капитал қўлига ўтади. Россия банклари ҳамда маҳаллий сармоядорларнинг молия қудратлари саноат буржуазия билан бирлашган ҳолда молия олигархиясини ташкил қилдилар. Туркистонда биринчи конторалар ва банклар бўлимлари, хусусий кредит ташкилотлари очилди. Энди миллий буржуазия ҳам муайян иқтисодий куч-қудратга эга бўлади.

Россия иқтисодиёти учун зарур бўлган пахта толаси энди асосан Туркистонда ишлаб чиқарилган эди. 1889 йилдан бошлаб бу ўлкада Америка узун толали пахта нави тадбиқ эта бошлайди³⁵⁷. Натижада XX асрнинг бошларида Туркистон пахтаси Русиянинг 50 фоиз пахтага бўлган эҳтиёжини қондира бошлайди.

Туркистон мустамлакага айланиб уни талон-тарож қилиш осон бўлиши учун темир йўл ва коммуникациянинг янги воситалари (телефон, телеграф, нашрия ва матбаа фаолиятлари) ҳам рус ҳукуматига яқиндан ёрдам беради.

Туркистон халқларининг тарихи XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб бир томондан мустамлакачилик ва иккинчи томондан мустамлака юкига гирифтор бўлган халқларнинг муносабатларидан иборат. Рус ҳукумати темир йўл ишларига, почта ва ҳарбий, маъмурий ишларга Русиядан амалдорларни олиб келар эди. Маҳаллий халқ намоёндалари эса асосан қора ишларга, иккинчи даражали амалларга жалб қилинарди. «Чоризм босиб олган Туркистон халқларининг ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқларини йўқ қилиб, уларни ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ва ҳарбий нуқтаи назардан қоқоқликда сақлаб туриш учун ўзининг бюрократик маъмурияти тизимига асосланган бошқарув усулини жорий қилдики, бунда энг паст мансабдан энг юқори мансабгача бўлган ҳамма лавозимлар фақат рус тўралари орқали қилинадиган бўлди. Ўлкада эса ҳарбий феодал бошқарув тартиби ҳукм суларди. Мустамлакачиларга ерли халқдан чиққан ҳақиқий раҳбар, ўзлари билан бир сафда турадиган тенг ҳуқуқли оғайни керак эмас эди. Улар (рус)га тилмочлар ва ижрочи миршаблар зарур эди, холос», - деб ёзган эди Т.Сафаров³⁵⁸.

«Русия ... бу ерга ерли миллат бўлмоқ ва нуфуз жиҳатидан ҳам кўпчиликни ташкил қилмоқ мақсади билан келганлиги учун ўзининг мужики, аравакашини, этикдўзини, кўча супирувчисини, хожатхона тозаловчисини ҳам бирга келтирди³⁵⁹.

Натижада Фарғона ҳамда ҳозирги Қирғизистон туманларида аҳоли зич жойлашиб қолди. Демократик муаммолар, ўз навбатида бошқа ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва миллий чигалликлар

³⁵⁷ История народов Узбекистана, 1993, 2. 112.

³⁵⁸ Сафаров Т. Туркестан колония. – Москва, 1921. – С.108.

³⁵⁹ Валидий Аҳмад Закий, 1892, 19 июнь.

пайдо бўлди. Ирқий ва миллий зулм кучайиб кетди. Маҳаллий халққа икки томонлама зулм асорати ва тазйиқига қолиш қийин бўлди. Агарда бир томондан маҳаллий бой ва амалдорлар халққа жабр қилса, иккинчи томондан Чоризм олиб келган миллий ва ирқий зулм халқни эзарди. Миллий хусумат асосида энг яхши ерлар Русия мужикларига, шаҳарларнинг марказий жойлари шу колонизаторларга берилиб маҳаллий халқ хорликда қолди. Кўчиб келганлар муайян имтиёзларга эга бўлдилару, шу заминнинг соҳиби бўлганлар «туземец», «абориген» ва «дикий азиат» номини олдилар. Туркистонликларнинг миллий-диний ғурурлари, урф-одатлари ҳамда шахсий шаънилари ерга урилди³⁶⁰.

Бундай муносабатларга қарши халқ ҳам мустамлакачиларга ишончсизлик ва ғазаб билан (В.В.Бартольд) муносабат қилар эди.

«Тарихи жадидаи Тошкент», «Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин», «Ғарибнома», «Тарихи Азизий» ва бошқа асарларда маҳаллий тарихчилар босқинчиларга бўлган халқ нафратини тасвирлаганлар. Баъзи асарларда эса ўтмиш тарихи ва Туркистон хонликларининг юқори тараққиёти махсус қайд этилиб, рус маъмурияти даврига қарши қўйилган эди. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Россия ҳамда Туркистон матбуотида Русиянинг Туркистонга нисбатан маданий сиёсати, бу ерга маданиятни олиб келиши ҳақида кўп сўзлайдиган бўлдилар.

1915 йили эса Тошкентнинг босиб олинишининг 50 йиллиги қайд этилди. Лекин бу байрамга Туркистоннинг маҳаллий халқи қўшилмади. Биринчи жаҳон урушига кирган чоризм жанг баҳонаси билан миллий ва ирқий зулмни кучайтириб, ўз жинойтларига туркистонликларни ҳам шерик қилмоқчи бўлди. Лекин 1916 йили Жиззах ва Хўжандда чоризм сиёсатига қарши халқ бош кўтариб, яна бир бор ўзининг истиқлолга бўлган иштиёқини кўрсатди.

Хонлик худудига кирган ерларнинг аҳолиси янги маъмурият остида қолган бўлсалар ҳам, истилочиларга қарши чиқишларини давом эттираверган. Янги маъмурият узоқ йиллар халқни тинчитиш ва янги тузумни барқарорлаштириш учун ҳаракат қилди, турли чора-тадбирлар қўллади. Кўқонликларнинг озодликка бўлган интилишлари «Кўқон автономия»си даврида, 20-йилларнинг халқ чиқишларида яққол кўзга кўринган бўлса ҳам, фақат советлар тузуми даврида бу ҳаракат сусайиб кетди. Ҳозирги мустақиллик давримизда шу она юртнинг тарихи, маданияти, ўтмишига бўлган қизиқиш ватанпарварлик ҳиссиётимизнинг ошиб бораётганининг далилидир.

III. ХОНЛИК ТАРИХИНИНГ ТАРИХНАВИСЛИГИГА ОИД

(адабиётлар кўрсаткичи сифатида)

Биринчи «кўқоншунос» олимларимиз Кўқон тарихи ва маданиятига доир асарлар ёзган маҳаллий тарихчилар ҳисобланади. Бу асарлар турли манбалардан, воқеа ва ҳодисалар иштирокчилари тилидан фойдаланиб яратганлиги учун ҳам муҳим ёзма манбалар ҳисобланади.

Кейинчалик туркистонлик ва россиялик олимлардан Гр. Потанин, Д. Н. Романовский, П.И. Небольсин, А.Н. Тетеревников, В. Ханьков, Л. Ф. Костенко, А. Макшеев, В. Вельяминов-Зернов, В. В. Григорьев, А. П. Хорошхин, Н. Пантусов, А. Нурекин, Н. О. Петровский, М.А. Терентьев, А. Ф. Мидендорф, А. Федченко, А. Кун, А. К. Гейнс, (Дм. Д-ой), В. В. Наливкин, М. Наливкина, С. Абдулғаффоров, Н. Веселовский, Н. Энгельгард, М. Михайлов, Л. Соболев, Н. Г. Малицкий, А. Брянов, В. В. Бартольд, Н. Г. Павлов, В. Ласточкин, А. Г. Серебрянников, Ч. Валиханов, А. З. Валиди, Л. А. Зимин, П. О. Кузнецов, Н. Я. Бичурин, А.И. Добромыслов, М. В. Лавров, М.С. Андреев³⁶¹

³⁶⁰ Мисол тариқасида “Правила хорошего тона на Востоке” (– Тошкент, 1915) номли китобга ўқувчилар диққатини қаратамиз.

³⁶¹ Потанин Г р. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина. 1830 г // Военный журнал. – 1831. № 4-5. Отд. отт; Шу муаллиф. Показания сибирского казака Максимова о Кокандском владении // Вестник Императорского Русского географического общества. Т. 28. – СПб., 1860; Романовский Д. Н. Заметки по среднеазиатскому вопросу с приложениями и картою Туркистанского Генерал-Губернаторства. – СПб., 1869; Небольсин П.Н. Очерки торговли России с Средней Азией // ЗРГО. Кн. X. – СПб., 1855. – С, 1-355; Шу муаллиф. Следование караванов из Бухары в Россию и обратно (очерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Кокандом). – СПб., 1856. – 376 с; Тетеревников А.Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи. – СПб., Типография Майкова, 1867. – 73 с.; Ханьков Б. Обозрение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии // Записки Императорского Русского географического общества. – СПб., 1849. Вып. III (кн. III); Костенко Л.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской государственности. СПб., 1877. – 360 с.; Шу муаллиф. Туркестанский край. Опыт военно-статистического обозрения Туркестанского военного округа. Том. I. СПб.: Типография Траншеля, 1880. – 452 с.; Шу муаллиф. Туркестанский край. Том II. СПб.: Типография “Общественная польза”, 1880. – 261 с.; Макшеев А. Показания сибирских казаков Милюшина и Батирышкина бывших в плену у кокандцев с 1849 по 1852 гг. // Вестник Императорского Русского географического общества. 1856 год 17-й; Шу муаллиф. Исторический обзор Туркистана

хамда хорижлик олимларнинг³⁶² баъзилари маҳаллий муаллифлар асарларидан ҳам фойдаланиб, ўз тадқиқотларида хонлик тарихининг турли соҳалари бўйича баъзи фикр ва мулоҳазаларни берганлар.

и наступательного движения в него русских. – СПб., 1890; Веляминов – Зернов В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммада Али до Худаярхана // Записки Восточного Отделения Русского археологического общества. Ч. IV, 1859; Шу муаллиф. Сведения о Кокандском ханстве // Вестник Императорского Русского географического общества, 1856. Ч.18; Нурекин А. Очерк истории Коканда с 1841 по 1886 год // Туркестанские Ведомости. 1871. № 35; Григорев В. В. Ещё о кокандских монетах и событиях // Туркестанский сборник Т. IV, 1894; Хорошхин А. П. Очерки Коканда // Сборник статей касающихся до Туркистанского края. – СПб., 1876. – С. 170-195; Шу муаллиф. Очерки Ташкента // Туркестанские ведомости, 1873. № 19; Шу муаллиф. Сборник статей касающихся до Туркистанского края. – СПб., 1876. – 534 с.; Пантусов Н. О податях и повинностях существовавших в бившем Кокандском ханстве в последнее время правления Худаярхана. // Туркестанские Ведомости. – № 13. 1876.; Шу муаллиф. Податные сборы в Коканде. // ТВ, 1876. – №13.; Шу муаллиф. Сборы и пошлыны в бившем Кокандском ханстве. // ТВ, 1876. – № 17.; Петровский Н. О. Очерки Кокандского ханства // Вестник Европы. 1875. Кн. 10; Шу муаллиф. О шелководстве и шелкомотании в Средней Азии. Ташкент: Типография Военно-народного управления. 1873. – 120 с.; Терентьев М.А. Россия и Англия в борьбе за рынки. – СПб., 1879. – 239 с. (//ТС, том 98. – С. 1-264). Шу муаллиф. История завоевания Средней Азии с картами и планами. Т. I-III. – СПб.1906.; Мидендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины / Перевод с немецкого В. И. Ковалского. – СПб., 1872. – 604 с.; Федченко А. Из Кокана / Материалы для статистики Туркестанского края. Ежеодник. Под ред. Н. Маева. – Спб., 1873. – С. 387-404.; Шу муаллиф. Обиджуваз – писчебумажная фабрика в Коканде // Туркестанский сборник. Т. 57, 1878. – С. 413-418.; Шу муаллиф. В Кокандском ханстве. – СПб., Т. I. Вып. 7. 1875, тед. 1-я. – 160 с.; Шу муаллиф. Объяснительная заметка к карте Кокандского ханства и прилегающих стран // Известия Русского географического общества. Т. VII. № 6. Отд. отт; Д-ой Дм. Пять недель в Кокане. 1870 // Сборник материалов о Русском Туркестане и странах Средней Азии. – Ташкент, 1871. – С. 244-318; Кун А. Очерк Кокандского ханства // Известия Императорского Русского географического общества. Т. VIII, 1876. – С. 17-119.; Шу муаллиф. Некоторые сведения о Ферганской долине // Военный сборник. – СПб.,1876 (//ТС. Том 117. – С. 417-448); Шу муаллиф. Очерки Шагрисабского бекства // Записки Русского географического общества по отд. этнографии. Т. VI. 1880; Гейнс А.К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве / Собрание литературных трудов. Том II. – Спб., Типография М. Стасюевича, 1898. – 741 с.; Наливкин В. П. Торговля пригонными баранами в Наманганском уезде // ТВ, 1880. – №49; Шу муаллиф. Киргизы Наманганского уезда // ТВ, 1881. – № 20; Шу муаллиф. Заметки по вопросу о лесном хозяйстве в Фергане // ТВ, 1883. – № 16; Шу муаллиф. Краткая история Кокандского ханства. – Казан, 1886. – 215 с. (новое издание: М., 2003. Ред. А. И. Булдаков, С.А. Шумов, А.Р. Андреев); Nalivkine V. P. Histoire du Khanat de Khokand. Trad. A.Dozon. Paris, 1889; Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886; Абдул-Гафаров Саттархан. Краткий очерк внутреннего состояния Кокандского ханства перед завоеванием его русскими // ТВ, 1892. – №№-26,29,36; Веселовский Н. Рецензия. Краткая история Кокандского ханства / Составил В. Наливкин. – Казан, 1886. 41-215 // Записки Восточного Отделение Русского археологического общества. – СПб., 1886. Т. I. Вып. III; Новые материалы по истории Кокандского ханства // Журнал Министерства просвещения. – СПб., 1886. Ч. 248. Ноябрь. Отд. отт; Енгельгард Н. Очерки Коканда // Туркестанские ведомости. 1886. № 4; Михайлов М. Поход в Коканд в 1875 году // Туркестанские ведомости, 1884. №3. С. 10-13; Соболев Л. Краткий обзор положения в Коканде // Туркестанский Сборник. Т. 57; Малицкий Н. Г. Несколько слов из истории Ташкента за последнее столетие // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. Год 3-4. 1898; Шу муаллиф. К истории Ташкента под Кокандским владычеством // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. Год 5, 1900; Брянов А. На память о Фергане 1878-1901. – Новый Маргелан. 1901; Бартольд В. В. Отчет о командировке в Туркестан. 1902 г // Соч. Т. IX. – Москва,1973; Шу муаллиф. Церемониал при дворе узбекских ханов в XVII веке // Сборник в чест 70-летия Г. Н. Потанина. – СПб., 1909; Шу муаллиф. История изучения Востока в Европе и России. – Москва, 1925; Шу муаллиф. Сарт. Туземец о русском завоевании // Соч. Т. II. Ч. 2. – Москва, 1964; Шу муаллиф. Авлия-ата, Ак-мечет, Каратегин, Кашгар, Кеш, Коканд, Курама, Маргилан, Ташкент, Туркистан, Фергана // Соч. Т. III. – Москва, 1965; Шу муаллиф. История культурной жизни Туркистана // Соч. Т.П. Ч.1. – Москва, 1963; Павлов Н. Г. История Туркистана. В связи с кратким историческим очерком сопредельных стран. – Ташкент, 1910; Ласточкин. Восточный Туркистан и Кашгария / Составил генералного штаба полковник Ласточкин; Под редакцией ген.-майора Федея. – Ташкент, 1911; Серебрянников А. Г. Туркистанский край // Сборник материалов для истории его завоевания в 1841-1896 г. Т. III. Ч.1, 2. – Ташкент, 1912-1915; Валиханов Ч. Собрание сочинений. В 5-ти томах. Алма-ата: Каз. Сов. энцикл. 1985. Т. III. 1985 – 415 С. Т. IV. 1985 – 788 С.; Валидов А. З. Восточные рукописи Ферганской области // Записки Восточного Отделения Русского Археологического Общества. Т. XXII. Вып. 3-4. – Петроград., 1915; Шу муаллиф. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII столетия // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. Год 20-й. Вып.2. – Ташкент, 1916; Зимин Л. А. Первые шаги Алимхана на государственном поприще // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. Год. 18-й. – Петроград., 1915; Шу муаллиф. «Зерцало побед» (Мир'от ал-футух) и его значение для истории Кокандского ханства // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. Год. 18-й. – Петроград., 1916; Кузнецов П. О таджиках Кокандского уезда // Известия Туркестанского Отделения Русского географического общества. Т. 12. Вып.2. – Ташкент, 1916; Бичурин Н. Я. (Якин ф). Собрание сведений по исторической географии Восточной и Средней Азии. – Чебоксары, 1960; Добромыслов А.И. города Сыр-дарьинской области. – Ташкент: Типография О.А. Порцова, 1912. – 204 с.; Шу муаллиф. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент: Типография О.А. Порцова, 1912. – 522.; Лавров М. В. Туркистан. География и история края. 2-е изд. – Москва – Петроград, 1916; Андреев М.С. Поездка летом в 1928 г. в Касанский район (Северная Фергана). Известие общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами. Том. 1. – Ташкент, 1929.

Мавзунинг библиографияси хақида куйидаги асарга қаралсин: Bregel Y. Khoqand Khanate / The Oxford Encyclopedia of the modern Islamic world. J.L.Esposito (ed.). Vol.2. – Oxford, 1995, pp.430-431.

³⁶² B r e g e l Y u r i. Bibliography of Islamic Sentral Asia. Part I – III. Indiana University Research Institute for inner Asian Studies Bloomington, – Indiana 1995. Part I. PP. 1 – 712; Part-III. P. 1892 – 2049. Яна қаранг: Bregel Y. Khoqand Khanate / The Oxford Encyclopedia of the modern Islamic world. J.L.Esposito (ed.). Vol.2. – Oxford, 1995. – P.430-431; Hewby L. J. The Empire and the khanate: A political history of Qing relations with Khoqand. – P. 1760-1860. Leiden,2005. Инглиз тилидаги баъзи адабиётлар

Сўнгра А. А. Семенов³⁶³, Е.В. Бунаков³⁶⁴, Р. Н. Набиев³⁶⁵, А. П. Қаюмов³⁶⁶, А. Ўринбоев³⁶⁷, П. П. Иванов³⁶⁸, В.С. Кузнецов³⁶⁹, В. А. Ромодин³⁷⁰, В. М. Плоских³⁷¹, Н. Д. Миклухо-Маклай³⁷², «Собрания Восточных Рукописей АН Узбекистана» (I-XI тт.)нинг муаллифлари³⁷³, Б. В. Лунин³⁷⁴, Б.П.Гуревич³⁷⁵, Ч. А. Стори³⁷⁶, Ф. А. Озодаев³⁷⁷, Ҳ. Н. Бобобеков³⁷⁸, Р. К. Бекмаханов³⁷⁹, С. С.

тавсифига қаранг: Масалиева О. XX аср инглиз – америка тарихшунослигида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихи. – Тошкент, 1999. – 180 бет.

³⁶³ Семенов А. А. Отношение Кокандского ханства к Кашгару в первой половине XIX века. / Фундаментальная библиотека АН РУз. РД. – №7125; Шу муаллиф. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. 1948. Т.V. – С.137-153; Шу муаллиф. К вопросу кто был автором «Тарихи Сайид Роқим» // В. В. Бартольд. Туркистанские друзья, ученики и почетатели. – Ташкент, 1927. – С.12-16; Шу муаллиф. Указатели персидской литературы по истории узбеков в Средней Азии // Труды библиографической комиссии, бывшей при СНК ЦСР. – Ташкент, 1926. Вып.3. – С. 31; Шу муаллиф. Материалы для изучения наречия горных таджиков Центральной Азии. Вып.1-2. Москва: Б. и., 1900-1901. – 98 с; Шу муаллиф. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени /Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. Т. XXV.

³⁶⁴ Бунаков Е.В. политические и экономические связи Восточного Туркестана с Россией и Средней Азией в парвлении Якуббека Кашгарского (1865-1877). – Ташкент, 1944. / Рукопись Фундаментальной библиотеки АН РУз. РД. – № 7054.

³⁶⁵ Набиев Р. Н. Уникальный источник по истории Кокандского ханства // Общественные науки в Узбекистане. 1947. – № 4. – С.33-39. Шу муаллиф. Историография Узбекистана (I пол. XIX в.) // Очерки истории и исторической науки в СССР. – М., 1955. Т. I. – С. 645-646; Шу муаллиф. Новые документальные материалы к изучению феодального института суюргал в Фергане XII-XVII вв // ИАН УзССР. Серия ОН. 1959. – № 3. – С. 23-32; Шу муаллиф. Из истории феодального землевладения в Фергане в XVI-XVII вв // ИАН УзССР. 1960. – № 30. – С. 25-34; Шу муаллиф. Народные восстания в Коканде в 1840-1842 гг // Общественные науки в Узбекистане. 1961. – № 7. – С. 37-42. Шу муаллиф. Ташкентское восстание 1847 г. и его социально-экономические предпосылки. – Ташкент: Фан, 1966. – 80 с; Шу муаллиф. Из истории Кокандского ханства. Феодальное хозяйство Худаярхана. – Ташкент: Фан, 1973. – 388 с. Шу муаллиф. О коллекции ферганских документов // Общественные науки в Узбекистане. 1977. № 4. – С. 57-63.

³⁶⁶ Қаюмов А. П. Қўқон адабий мухити. XVIII-XIX асрлар. Тошкент: Ўзфанакадашр, 1961. – 361 б; Шу муаллиф. Махмур. Тошкент: Ўзфанакадашр, 1956. – 138 б; Шу муаллиф. Ғозий. Тошкент: Ўзфанакадашр, 1959. – 146 б; Шу муаллиф. Хозик. Тошкент: Ўзфанакадашр, 1957. – 78 б; Шу муаллиф. Қадимият обидалари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 183 б.

³⁶⁷ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. – Тошкент: Фан, 1983. – 56 б; Шу муаллиф. Неизвестная рукопись по истории Кокандского ханства // Известия АН УзССР. 1957. № 3. – С. 33-38.

³⁶⁸ Иванов П. П. Архив хивинских ханов // Зап. ИВ АН СССР. 1939. Т. VII. – С.25; Шу муаллиф. Казахи Кокандского ханства / К истории их взаимоотношений в начале XIX в // Зап. ИВ АН СССР. – Москва-Ленинград, 1939. Т.VII. – С. 92-128; Шу муаллиф. Очерки по истории Средней Азии. XVI – сер. XIX в. – Москва: Изд. вост. лит., 1958. – 247 с.

³⁶⁹ Кузнецов В.С. Из истории взаимоотношений цинского Китая с Кокандским ханством. / Общество и государство в Китае. Доклады и тезисы. – Москва, 1972. – С, 141-149; Шу муаллиф. Экономическая политика цинского правительства в Синцзяне. Москва: Наука, 1973. – 180 с.; Шу муаллиф. Цинская империя на рубежах Центральной Азии (вторая половина XVIII – первая половина XIX вв.) – Новосибирск. Сибирское отделение АН СССР. 1983. – 120 с.; Шу муаллиф. Империя Цин и мусульманский мир / Центральная Азия и соседние территории в средние века. / история и культура Восточной Азии. – Новосибирск: Наука, 1990. – С, 110.

³⁷⁰ Ромодин В. А. Новый источник по истории Кокандского ханства // Проблемы востоковедения. 1959. – № 3. – С. 10-17; Шу муаллиф. Вклад ленинградских востоковедов в изучение истории Средней Азии // Уч. Записки ИВ. – Москва, 1960. Т. XXV. – С. 3-72; Шу муаллиф. Некоторые источники по истории Ферганы и Кокандского ханства XVI-XIX вв. в рукописных собраниях Ленинграда. – Москва: Наука, 1960. – 15 с; Шу муаллиф. Предисловие. – Назаров Филипп. Заметки о некоторых народах и землях Средней части Азии. – Москва: Наука, 1968. – 75 с.

³⁷¹ Плоских В. М. Киргизи и Кокандское ханство. – Фрунзе: Илим, 1977. – 368 с.; Шу муаллиф. Киргизы во внешней политике Коканда (первая половина XIX в). // Известия АН Республики Кыргызстан. 1991. –№4. – 41-48.

³⁷² Миклухо – Маклай Н. Д. Описание персидских и таджикских рукописей Института востоковедения. Вып. 3. Исторические сочинения. – Москва: Наука, 1975. – 442 с.

³⁷³ СВР. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1952-1991: Т. I. 1952. – 436 с; Т. II. 1954. – 588 с; Т. III. 1955. – 554 с; Т. IV. 1957. – 560 с; Т. V. 1960. – 538 с; Т. VI. 1963. – 735 с; Т. VII. 1964. – 554 с; Т. VIII. 1967. 798 с; Т. IX. 1971. – 600 с; Т. X. 1975. – 706 с; Т. XI. 1987. – 444 с.

³⁷⁴ Лунин Б. В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Фан, 1965. – 408 с; Шу муаллиф. Жизнь и деятельность В. В. Бартольда / Средняя Азия в отечественном востоковедении. – Ташкент. 1981. – 294 с.

³⁷⁵ Гуревич Б.П. Международные отношения в Центральной Азии в XVII-первой половине XIX в. 2-е изд. -Москва: Наука, 1983. – 310 б. ; Гуревич Б.П., Плоских В.М. Кокандско-китайские отношения и кризис национально-колониальной политики Цинской империи в Синцзяне // Известия АН Киргизской ССР. 1980. –№5. – С.62-68.

³⁷⁶ Стори Ч. А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. В трех частях. – Москва: Наука, 1972.

³⁷⁷ Азадаев Ф. А. Ташкент во второй половине XIX в. Очерки социально-экономической и политической истории. – Тошкент: Изд-во АН. УзССР, 1959. – 242 с.

³⁷⁸ Бабабеков Х. Н. Историческая литература 60-70-х гг. Афтореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т, 1977. – 20 с; Шу муаллиф. К этимологии топонима «Коканд» // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана в XV-XIX вв. – Тошкент: Фан. 1987. – С. 98-104; Шу муаллиф. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки (XVIII-XIX вв.). – Ташкент: Фан, 1990. – 118 с; Шу муаллиф. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996.

Губаева³⁸⁰, А. Х. Жувонмардиев³⁸¹, М. Қутлугов³⁸², Е. А. Маджи³⁸³, А. А. Мухторов³⁸⁴, Е. А. Полякова³⁸⁵, Ҳ. Содиқов³⁸⁶, Э. Хуршут³⁸⁷, А. Т. Тагиржанов³⁸⁸, Т. И. Султанов³⁸⁹, А. Л. Троицкая³⁹⁰, А. Саъдиев³⁹¹, Т. К. Бейсембиев³⁹², Т. Саидкулов³⁹³, Х. Ғ. Ғуломов³⁹⁴, диссертация муаллифларидан Б.

³⁷⁹ Бекмаханов Р. К. К истории взаимоотношений казахов со среднеазиатскими ханствами // Большевик Казахстана, 1947. – № 5. – С. 5-10; Шу муаллиф. Казахстан в 20-40 годы XIX века. – Алмаата: Госиздат, 1947. – 390 с; Шу муаллиф. Очерки истории Казахстана XIX в. – Алмаата: Мектеп. 1966. – 191 с.

³⁸⁰ Губаева С. С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в. по данным топонимии. – Ташкент: Фан, 1983. – 104 с; Шу муаллиф. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в.: этно-культурные процессы. – Ташкент: Фан, 1991 – 130 с.

³⁸¹ Джуванмардиев А. Х. К земельно-водным отношениям в Фергане в XVI-XIX вв.: Афтореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1963. – 17 с.

³⁸² Кутлугов М. Мухаммад Содиқ Қашқарий. – Тошкент, 1968. – 56 б.; Шу муаллиф. Взаимоотношения Цинского Китая с Кокандским ханством / Китай и соседи в новое и новейшее время. – Москва: Наука, 1982. – С. 203-216.; Шу муаллиф. Цинское завоевание Джунгарии и Восточного Туркестана в 11755-1759 гг. И освещение его в трудах местных кашгарских историков // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана в XV-XIX вв. Ташкент: Фан, 1987. – С. 59-83.; Шу муаллиф. Источник по истории Восточного Туркестана (по рукописному фонду ИВ АН РУз) // Исследования по уйгуроведению. Т. I. – Алматы, 2000. – С. 75-91.

³⁸³ Маджи Е. А. К истории феодального Ходжента // Материалы по истории таджиков и Таджикистана. – Сталинабад, 1945, – С.44-62; Шу муаллиф. Новый источник по истории Коканда, Кашгара и Бухари // Известия АН Тадж. ССР. ООИ. 1958. Вып. I. – С. 35-42.

³⁸⁴ Мухторов А. А. Дилшод и ее место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX – начале XX в. – Душанбе: Ирфон, 1969. – 372 с; Шу муаллиф. О некоторых неизвестных источниках по истории Средней Азии XIX в // ИАН ТаджССР. ООИ, 1956. Вып.8. – С. 97-101; Шу муаллиф. Очерки из истории Ура-Тюбинского владения во второй половине XIX в.: Афтореф. дисс... канд. ист. наук. – Сталинабад, 1955. – 18 с; Шу муаллиф. Очерк истории Ура-Тюбинского владения в XIX в. – Душанбе: Изд-во АН Тадж. ССР, 1964. – 186 с; Шу муаллиф. Из истории народных движений в Средней Азии. – Душанбе: Ирфон, 1988. – 56 с.

³⁸⁵ Полякова Е. А. Некоторые проявления демократических тенденций в персоязычных исторических источниках XI в // Общественные науки в Узбекистане. 1982. № 11. – с. 45-49; Ее же. Об этикетности и реалистичности в хрониках Рашид ад-Дина и Джувайни // // Общественные науки в Узбекистане. 1979. № 10. – С. 53-55; Ее же. Некоторые черты социально-политических возрений в персоязычных хрониках XI – начала XIV в // Социально-утопические идеи в Средней Азии. Ташкент, 1983. – С. 42-53.

³⁸⁶ Содиқов Х. С. Колониальная политика царизма в Туркестане и борьба за национальную независимость в начале XX века. Автореферат дисс. докт. ист. наук. – Т, 1994

³⁸⁷ Хуршут Э. «Мунтахаб ут-таворих» – важный источник по истории Средней Азии и сопредельных стран // Общественные науки в Узбекистане. 1984. № 7; Шу муаллиф. Ҳақимхоннинг ҳаёти ва саёҳатлари. – Тошкент, 1987; Шу муаллиф. «Мунтахаб ат-таварих» как источник по истории Средней Азии и сопредельных стран XVIII-XIX вв // Общественные науки в Узбекистане. – 1984. № 7. – С. 36-42; Шу муаллиф. Изучение среднеазиатских источников XVI-XIX веков: значение, состояние, проблемы // Общественные науки в Узбекистане. 1989. № 2. – С. 49-53.

³⁸⁸ Тагирджанов А. Т. Описание таджикских и персидских рукописей восточного отдела библиотеки ЛГУ. Т. 1. История, биография, география. – Ленинград: Изд-во Ленинградского Университета. 1962.

³⁸⁹ Султанов Т. И. Памятники исторической литературы Средней Азии и Восточного Туркистана XV-XIX вв. Проблемы генезиса и функционирования: Афтореф. дисс... канд. ист. наук. – Ленинград, 1988. – 32 с.

³⁹⁰ Троицкая А. Л. Каталог архива кокандских ханов XIX в. – Москва: Наука, 1968. – 582 с; Шу муаллиф. Материалы по истории Кокандского ханства XIX в. 1969. – 155 с.

³⁹¹ Саъдиев А. Историческая наука в Туркистане во II-ой половине XIX в.: Афтореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИИ АН Уз ССР, 1955. – 19 с.

³⁹² Бейсембиев Т. К. Тарих-и шахрухи – как исторический источник. – Алма-Ата, 1987. – 200 с; Шу муаллиф. Духовенство в политической жизни кокандского ханства в XVIII-XIX вв. по некоторым сочинениям кокандской историографии // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем Востоке в период феодализма. – Москва, 1985. – 213 с; Шу муаллиф. Легенда о происхождении кокандских ханов как источник идеологии в Средней Азии: на материалах сочинений кокандской историографии // Казахстан, Средняя и Центральная Азия в XVI-XVIII вв. – Алма-Ата, 1989. – 192 с; Шу муаллиф. «Тарихи Шахрухи» как исторический источник. Афтореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИВ АН РУз, 1983. – 22 с; Шу муаллиф. «Тарихи Шахрухи» о Восточном Туркистане // Из истории Средней Азии и Восточного Туркистана в XV-XIX вв. – Ташкент, 1987. – С. 162-174; Шу муаллиф. «Farghana's Contacts with India in the 18th and 19th Centuries (According to the Khokhand Chronicles)». India and Central Asia: Commerce and Culture, 1500–1800. S.C.Levi (ed.). New Delhi, 2007. – P.260-274; Шу муаллиф. Life of Alimqul. A Native Chronicle of Nineteenth Century Central Asia. – London, 2003; Шу муаллиф. «Farghana's Contacts with India in the 18th and 19th Centuries (According to the Khokhand Chronicles)» // India and Central Asia: Commerce and Culture, 1500–1800. S.C.Levi (ed.). New Delhi, 2007, – P.260-274; Шу муаллиф. Среднеазиатский (чагатайский) турки и его роль в культурной истории Евразии (взгляд историка) // Shygys. №1, 2004. – P. 53-64; Шу муаллиф. Возрождение чагатайской государственной идеи в Мовараннахре (конец XVIII – начало XIX в.) / историко-культурные взаимосвязи Ирана и Дашти кипчака. Алматы. 2004. – P.97-114. Шу муаллиф. Высшая администрация Ташкента и юга Казахстана в период Кокандского ханства: 1809-1865 / Историко-культурные взаимосвязи Ирана и Дашт-и Кипчака в XIII-XVIII вв. материалы Международного круглого стола. Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – С. 291-313.

³⁹³ Саидкулов Т. Очерки по историографии Средней Азии. – Ташкент. 1993.

³⁹⁴ Шу муаллифининг ишлари тавсифига қаранг: Ғуломов Х. Ғ. История дипломатических отношений государств Средней Азии с Россией (XVIII – первая половина XIX вв.). Автореферат дисс. докт. ист. наук. – Ташкент: ИИ АН РУз, 2006. 84-85

Турсунов³⁹⁵, Т.М. Бобоматов³⁹⁶, Н.И. Алимова³⁹⁷, Ш. Маҳмудов³⁹⁸, О.Г. Пуговкина³⁹⁹, Ш.Т. Кулдашев⁴⁰⁰, З.Ш. Мадрахимов⁴⁰¹ ва оммавий услубдаги ишлардан Муҳаммадяхўхон⁴⁰², Ш. Юсупов⁴⁰³ асарларини тилга олиш мумкин. Охирги муаллифнинг асарларида Кўқон хонлиги тарихига оид баъзи воқеалар баёни ва таҳлили, хулосалари илмийликдан анча узоқдир.

Яқин ва узоқ хорижий мамлакат олимларидан С.С. Сооданбеков⁴⁰⁴, Ю. Лунёв⁴⁰⁵, Н. Терлетски⁴⁰⁶, Скотт С. Ливай⁴⁰⁷ ҳамда чет элларда чоп этилган бошқа олимлар⁴⁰⁸, россиялик тадқиқотчилардан Д.В. Васильев⁴⁰⁹, С.Н. Абашин⁴¹⁰, С.Н. Брежнева⁴¹¹, А.И. Яковлев ва С.А.

бетларида илмий ишлари рўйхати берилган; Яна қаранг: Newby L. I. The Empire and the Khanate: A political history of Qing relations with Khoqand c. 1760-1860. Leiden, 2005.

³⁹⁵ Турсунов Б. Кўқон хонлигида ҳарбий иш ва кўшин: ҳолати, бошқаруви, аънаналари (XIX асрнинг 70 йилларигача). Тарих фан ном. дисс. – Тошкент: Ўз ФА тарих Институти, 2006. – 154 с.

³⁹⁶ Бобоматов Т. М. Репрессивные органы как инструмент колониальной политики царской России в Туркестане (1865-1917 гг.). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: НУУ. – 28 с.

³⁹⁷ Алимова Н.И. Политика царской России в Туркестане в области национальной культуры (1867-1917 гг.). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИИ АН Республики Узбекистана, 2004. – 22 с.

³⁹⁸ Маҳмудов Ш. Кўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709-1876 йй.). тарих фан. ном. дисс. – Тошкент: Ўз ФА тарих Институти, 2007. – 155 с.

³⁹⁹ Пуговкина О.Г. История Туркестана в наследии Российской историографии середины XIX – начала XX века (политические и экономические аспекты). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИИ АН Республики Узбекистана, 2004. – 30 с.

⁴⁰⁰ Кулдашев Ш. Политические, экономические и культурные связи между Кокандским ханством и Восточным Туркестаном (XVIII – середина XIX вв.). Автореферат дисс. канд. ист. наук. – Ташкент: ИИ АН Узбекистана. 2009. – 30 с.

⁴⁰¹ Мадрахимов З. Кўқон хонлигида савдо муносабатлари. Тарих фан. ном. дисс. автореферати. – Тошкент: Ўз ФА Тарих институти. 2009. – 30 с.

⁴⁰² Муҳаммад Яхўхон. Туркистон хонлари тарихи // Ватан, 1995 №№28, 31, 35; Шу муаллиф. Бўри баковул экан // Ватан. 1995. №№ 13, 14, 16, 20-23, 27.

⁴⁰³ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. – Тошкент: Шарқ, 1995; Шу муаллиф. Хуфия қатламлар. – Тошкент: Маънавият. 1999; Шу муаллиф. Тарих ва адаб бўстони. – Тошкент: Маънавият, 2003. – 168; Шу муаллиф. Тарих уммони сирлари. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 239. Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. – Тошкент: Шарқ, 1995.

⁴⁰⁴ Сооданбеков С.С. Общественный и государственный строй Кокандского ханства. – Бишкек, 2000. – 144 с.

⁴⁰⁵ Лунёв Ю.Ф. Государство и право узбекских ханств с XVI по XIX века. – Москва: Аст, 2004. – 216 с.

⁴⁰⁶ Terletsky N. Some Dates about the Earli Works of the Khugand Historiography // Manuscripta Orientalia. International journal for Oriental Manuscript Research. St. Peterburg. Vol.11. No1. March 2005. – P. 3-19.

⁴⁰⁷ Skott C. Levi. The Fergana Valey at the Crossroads of world History: The Rise of Khogand. 1709-1822 // Journal of Global History. 2007 Vol. 2. № 2.

⁴⁰⁸ Сооданбеков С.С. Общественный и государственный строй Кокандского ханства. – Бишкек, 2000. – 144 с.; Лунёв Ю.Ф. Государство и право узбекских ханств с XVI по XIX века. Москва: Аст, 2004. – 216 с.; Beysembiev T.K. Farghana's Contacts with India in the 18th and 19th Centuries (According to the Khokhand Chronicles). / India and Central Asia: Commerce and Culture, 1500–1800. S.C.Levi (ed.). New Delhi, 2007, – P.260-274; Bregel Y. Khoqand Khanate / The Oxford Encyclopedia of the modern Islamic world. J.L.Esposito (ed.). Vol.2. Oxford, 1995. – P.430-431; Шу муаллиф. Bibliography of Islamic Sentral Asia. Part I – III. Indiana University Research Institute for inner Asian Studies Bloomington, Indiana 1995. Part I. – P. 1-712; Part-III. P. 1892 – 2049; Erkinov A. «Imitation of Timurids and Pseudo-Legitimation: On the origins of a manuscript anthology of poems dedicated to the Kokand ruler Muíammad ‘Alī Khān (1822-1842)» (<http://www.nomadsed.de/calendar.html>); Шу муаллиф. Les copies des anthologies poétiques persan-chaghatây de la Bibliothèque nationale de France : contribution à l'étude des bayâz de l'Asie Centrale (XVe-XIXe s.) // Studia Iranica. 33/2 (2004). – P. 221-242; Шу муаллиф. Les timourides, modèles de légitimité et les recueils poétiques de Kokand. in: Ecrit et culture en Asie centrale et dans le monde turko-iranien, XTVe-XIXe siècles // Writing and Culture in Central Asia and in thé Turko-Iranian World, 14th-19th Centuries. F. Richard, M. Szuppe (eds.) // Cahiers de Sîudia Iranica). Paris, 2008. – P. 285-330; Шу муаллиф. Un témoin important du mécénat de Muhammad-'Ali khan, le manuscript Supplément persan 1446 de la BNF. // Studia Iranica. 37, 2008. – P. 129-138; Hewby L. J. The Empire and the khanate: A political history of Qing relations with Khoqand. c. 1760-1860. Leiden, 2005; Kim Hondong. Holy War in China. The Muslim Rebellion and State in Chintst Central Asia. 1864-1877. – Stanford, 2004. – 295 p; Life of Alimqul. A Native Chronicle of Nineteenth Century Central Asia / Edited and translated by Timur Beisembiev. London, 2003. – 116 p; Muhammad Khakim–khan. Muntakhab al-tawarikh. Selected history. Vol.II. Y. Kawahara, K. Haneda (tls). Tokio, 2006; Nalivkine V. P. Histoire du Khanat de Khokand. / Trad. A.Dozon. Paris, 1889; Newby L. I. The Empire and the Khanate: A political history of Qing relations with Khoqand c. 1760-1860. Leiden, 2005; Pierce Richard A. Russian Central Asia 1867-1917 // A Study in colonial rule. Berkeley; Los Angeles, 1960; Saray M. Rus isgali devrinda Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasabetler(1775-1875). –Ankara, 1994. – 74 s.; Шу муаллиф. Rusiyanin Turk yurdlarina yayilmasi. – Istanbul, 1975. -35 s.; Skott C. Levi. The Fergana Valey at the Crossroads of world History: The Rise of Khogand. 1709-1822 // Journal of Global History. 2007 Vol. 2. № 2; Terletsky N. Some Dates about the Earli Works of the Khugand Historiography // Manuscripta Orientalia. International journal for Oriental Manuscript Research. St. Peterburg. Vol.11. No1. March 2005. – P. 3-19.; Tillet L. The Great Friendship. Soviet Historians on the Non-Russian Nationalities. – North Carolina, 1969. – 217 s.;

⁴⁰⁹ Васильев Д.В. О политике царского правительства в Русском Туркестане (К вопросу о “русификации”) // Сборник русского исторического общества. Россия и Средняя Азия. Т.5. (153). – Москва: Русская панорама, 2002. – С. 58-71.

⁴¹⁰ Абашин С.Н. Общины в Туркестане в оценках и спорах администраторов начала 80-х годов XIX века (по материалам ЦГА Республики Узбекистан) // Сборник русского исторического общества. Россия и Средняя Азия. Т.5. (153). – Москва: Русская панорама, 2002. – С. 71-88.

⁴¹¹ Брежнева С.Н. Проблема присоединения Средней Азии к России в отечественной историографии 1920-1950-х годов // Отечественная история. 2005. – № 1. – С. 147-154.

Панарин⁴¹², В.В. Корнеев⁴¹³, Н.И. Дубинина⁴¹⁴ ўз асарларида хонликнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётини, унинг мустамлака даври ёритганлар.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, юқоридаги олимлардан бирортаси ҳам бевосита Қўқон тарихчилари асарлари билан махсус шуғулланмаган. Қўқон тарихчилари асарларидан олинган маълумотлари иккаламчи асарлардан олинган. Қўқон тарихчилари мактабининг шаклланиши, унинг намояндлари ва асарларининг мазмунини ёритиб берувчи тадқиқотлардан А. Ўринбоев ва О. Бўриев, Т. К. Бейсембиев, Э. Хуршут, Ш. Воҳидов⁴¹⁵ ва Д. Сангирова⁴¹⁶, Ў. Султонов⁴¹⁷ ва Солижон Йўлдошев⁴¹⁸ асарларини тилга олиш мумкин.

Бугунги кунда Қўқон тарихчилари мактаби намояндлари асарларидан саналмиш Муҳаммадҳакимхоннинг «Мунтахабут-таворих» асари (факсимиле, Душанбе, 1984, 1985; Токио, 2006, II жилди)⁴¹⁹, Тожир Хўжандийнинг «Ғаройиби сипоҳ» (Хўжанд, 1991), Мирзо Олим Махдум Ҳожининг «Тарихи Туркистон» (Қарши, 1992; Тошкент, 2007), Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин» («Қўқон хонлиги тарихи» номи билан нашр этилган. Тошкент, 1995; рус тилида Солижон Йўлдошевнинг илмий нашри. Тошкент, 2007), Муҳаммадюнус Тоибнинг «Тарихи Алиқули амирлашкар» («Шарқ юлдузи», 1996, №1-2; Лондон, 2003⁴²⁰) ва «Тухфайи Тоиб» (Тошкент-Токио, 2002), Муҳаммадазиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий» (Тошкент, 1999), Муҳаммадҳакимхоннинг «Мунтахабут-таворих» (Тошкент, 2010) номли асарлари чоп қилинган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Қўқон историографияси ва манбашунослиги масалаларида муаммолар, ўрганилиши зарур бўлган истиқболли мавзулар талайгина. Уларни ўрганиш ва таҳлил этишда, албатта форс-тожик тилини яхши билиши, қўлғамалардан фойдаланиш илмидан хабардор бўлиши шарт. Бундан ташқари Қўқон хонлиги тарихи ва маданий ҳаётини, ундаги этно-маданий жараёнларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишда вақф ҳужжатлари, маноқиблар, Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон ва Тожикистон архивларида сақланаётган ҳужжатлар ва маълумотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда янги асар ва тадқиқотлар олдинги муаллифлар берган маълумотлар асосида юзага келиш ҳолати давом этади.

IV. ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ҲУДУДЛАРИДА ТАРИХНАВИСЛИК: НАМОЯНДАЛАРИ, АСАРЛАРИ

IV.I. 1. Шермуҳаммад Акмал Хўқандийнинг «Амирнома» асари.

Қўқон хонлигида ёзилган энг биринчи тарихий асар Шермуҳаммад Акмал Хўқандийнинг «Амирнома» сидир. Муаллифнинг мазкур асарни 1801-02 йилда ёзгани тахмин қилинади, чунки ундаги энг охири сана 1216 йил тарзида тилга олинган. Шермуҳаммад Акмал Хўқандийнинг таржимайи ҳоли А.П. Қаюмовнинг «Қўқон адабий муҳити» китобида, Пўлджон Қаюмийнинг «Қўқон тарихи ва адабиёти» ҳамда «Тазкирайи Қаюмий» сида ёритилган. Тарихнавис Авазмуҳаммад Аттор

⁴¹² Яковлев А.И., Панарин С.А. Приворечия реформ: опыт Аравии и Туркестана // Восток. 1991. – №5. – С. 104-120.

⁴¹³ Корнеев В.В. Управление Туркестанским краем: реальность и «правовые мечтания» (6—е годы XIX – февраль 1917 года) // Вопросы истории. 2001. – №7. – С. 56-70.

⁴¹⁴ Дубинина Н.И. Приамурский генерал-губернатор Н.И. Гродеков. – Хабаровск: Приамурские ведомости. 2001. – 352 с.

⁴¹⁵ Воҳидов Ш. Х. Аваз Муҳаммад Аттар Хуканди и его сочинение «Тарих-и жахоннама-йи (Исследование, перевод, примечания) Автореф. дис... канд. ист. наук. – Ташкент: ИВ АН РУз. 1990; Шу муалиф. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши (XIX аср – XX асрнинг бошлари). Тарих фан. докт. дис. – Тошкент: Ўз ФА ША, 1998. – 315 б.

⁴¹⁶ Сангирова Д. Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий» асари муҳим манба. Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент: Ўз ФА ШИ, 1999. – 162 б.

⁴¹⁷ Султонов Ў. Муҳаммад Солиххожанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари муҳим тарихий манба сифатида (XIX аср). Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент: Абу Райҳон Беруний номидаги ШИ, 2007. – 173 б. Шу муаллифнинг бир қатор мақолалари ва монографияси ҳам шу мавзуга бағишланган. Қаранг: Султонов Ў.А. Муҳаммад Солих хўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари (XIX аср) – Тошкент: Ўзбекистон. 2007. – 262 б.

⁴¹⁸ Мирза Алим ибн Мирза Раҳим Тошканди. Ансаб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин / Введение Ш. Воҳидова; перевод текста, примечания, указатели и послесловия Салиджан Юлдашева / История Узбекистана ва арабографических источниках. Том I. – Тошкент, 2007. – 254 с.

⁴¹⁹ Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахаб ут-таворих. Жилдҳои 1 ва 2. – Душанбе, 1984-1985; Мазкур манбаининг иккинчи жилди Японияда чоп этилди. Қаранг: Muhammad Khakim – khan. Muntakhab al-tawarikh. Selected history. Vol.II. Y. Kawahara, K. Haneda (tls). – Tokyo, 2006. Мазкур асарнинг манғитлар ва минг сулоласи тарихига оид қисми ушбу сатрлар муаллифи тарафидан ўзбек тилига таржима этилиб, кириш, изоҳлар ва кўрсаткичлар билан чоп этилган. Қаранг: Муҳаммадҳакимхон. Мунтахаб ут-таворих. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 720 б.

⁴²⁰ Қаранг: Life of Alimqul. A Native Chronicle of Nineteenth Century Central Asia / Edited and translated by Timur Beisembiev. – London, 2003. – 116 p.

Хўқандий эса ўз асари «Тарихи жаҳонамой»да Акмал Шернинг «Насабномайи тарихи хавонини Фарғона» номли асари ҳақида ҳам сўз юритади.

«Амирнома»нинг ягона нусхаси ЎзФАШИ фондида сақланади. Унинг фарзацлистдаги V^a варағида «Умарнома». «Акмал» тахалусли Шермуҳаммад Акмал Хўқандийнинг асари» – деб ёзилган. Бу қайдга баъзи аниқликлар киритиш лозим. Биринчидан асар 1214-1216 ҳижрий йиллар оарсида ёзилган. Амир Умархон эса милодий 1810 йили феврида хонлик тахтини қўлга киритди. 1818 йилга келиб у ўзини амир ал-мўминин деб эълон қилади. Иккинчидан асарда Умархон даврига доир бирор бир тарихий воқеа баён қилинмаган.

«Амирнома»нинг мазмуни жуда мураккаб бўлиб, жанри хусусида сўз юритиш ҳам айрим чигалликларни вужудга келтиради. Асар Олимхон даврида ёзилганига қарамасдан бу хоннинг номи ҳеч бир ўринда эсланмайди. Аниқроғи, муаллиф унинг Тўрақўрғон, Исфара ва Хўжандга қилган юришларини баён қиларкан, номини «соҳиб қирон» шаклида тилга олади. Асар охирида Акмал Шер Тошкент ҳокими Юнусхожанинг Қўқонга юриш қилиб, Ашт мавзесига келганини қайд этган.

Китоб форс-тожик тилида назм ва насрда ёзилган. Унинг шеърий қисми 3250 байтдан иборат. Ҳар бир саҳифада 13 сатр ёзув жойлашган. Қўлёзма 133 варақдан иборат. Хати настаълик. Қора ва қизил сиёҳда ёзилган. Котиби номаълум. Нусха автограф бўлиши ҳам мумкин. Асарнинг мазмуни қуйидагича:

- Асар ёзилишининг сабаблари;
- Пайғамбар наъти ва хулафаи рошидин мадҳи;
- Яхши ва ёмон, қалам ва қиличнинг фазилати, қаламнинг қиличдан афзаллиги;
- Амир, маликлар, илм ва қалам арбобларига мурожаат;
- Бир нача бобда турлди мазмундаги ҳадислар шарҳи келтирилади;
- Олтун бешик даври;
- Амири соҳиб қирон (Олимхон)нинг Андижон, Исфара ва Хўжандга юришлари зикри;
- Юнусхожанинг Ашт мавзесига (1216 йили раби ал-охир ойининг охири, якшанба куни/1801 йил 6 сентябр⁴²¹) келгани.

Мазкур асарнинг бошқа нусхалари борлиги, унинг буюртмачи таъбиға маъқул бўлган ёки бўлмагани маълум эмас. Умархон даврида Акмал Шер сарой шоирлари қаторидан жой олган бўлиб, Қўқон адабий муҳитида ўз муносиб ўрин эгаллаган. Унинг тарихчи сифатидаги иқтидори ҳам юқори бўлган. Бироқ, Умархон ўз даври тарихини ёзишни Абдулкарим (Фазлий) Намангонийга буюрган.

IV. I. .2. «Умарнома» асари

«Умарнома» асарининг муаллифи Фазлий Фарғоний (Абдулкарими Намангоний) – Қўқон адабий муҳитида шоир сифатида шуҳрат топган адибдир. Фазлий Умархон саройида «малик уш-шуаро» унвонига эга бўлиб, ўз шеърларидан девон тартиб берган йирик шоир ва машҳур «Мажмуат уш-шуаро» тазкирасининг тузувчи-муаллифидир. Унинг шеърий ижоди А.Қаюмов томонидан қисман ўрганилиб, ҳаёти ва ижоди таърифи ўзбек адабиёти тарихининг тўртинчи жилдида қисқача ёритилган⁴²².

Фазлий Фарғонийнинг «Умарнома» номли тарихий асари Қўқон историографиясида ҳозиргача бизга маълум бўлган биринчи асарлардан ҳисобланади. Бу қўлёзма асар ягона нусхада етиб келган бўлиб, ҳозир Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида С 2467 рақами остида сақланади. Бу асар ҳақидаги биринчи маълумотни Мирзо Қаландар Мушриф ижодий фаолияти ва Авазмуҳаммад Аттор қайдлари орқали қўлга киритамиз.

Зеро, Мирзо Қаландар Мушриф Фазлийнинг мазкур асарини назмдан насрга ўгириб, ундаги тарихий воқеаларни кенгроқ баён қилган. Мушриф «Умарнома» ҳақида шундай ёзади: «Кечаларнинг бирида Умархон ҳузурида тарихий китоблардан ва Темурга бағишланган асарлардан парчалар ўқиларди. Умархон фақирга қараб, Фазлий Фарғонийнинг назмда битилган «Шоҳнома» асарини наср тилига таржима қилишни буюрди. Олий ҳазратлари амири оламгир, ўзининг сеҳрли ва ёрқин диққатларини бу фақирга бибизотга қаратиб деди: «Назм тили яхши ва хуш бўлса ҳам, лекин насрнинг камоли уламо диққатларига ширин садо билан тегади, чунки наср фазоси кенгдир... Назм насрсиз бўлмайди. Бизнинг илтимосимиз асосида ёзилган «Шоҳнома» (-и нусратпаём)» асари истагимизга

⁴²¹ Зи ҳижри дар он рўзи ҳайраткада,
Ҳазору дусад буд ҳам шонздаҳ.
Ҳаме салхи раби ал-охир,
Явм ал-аҳад дода равон танир.

⁴²² Қаюмов А. П. Қўқон адабий муҳити. – Б. 64-67.

қарши бўлиб чиқди... Шунинг учун уни ислоҳ қилиб, ўзгартириб бизнинг марҳаматимиз диққатига ҳавола этгил» (Қар.: «ШН». 27^а, 31^а].

Фазлий Фарғонийнинг асари нима учун хонга манзур бўлмади ва кенг тарқалмади? Унинг мазмуни, ғоялари ва умумий йўналиши қандай?

Бу асарнинг насрий баёни оригиналидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади? Фазлийнинг асари Қўқон тарихий асарлари ичида қандай ўрин эгаллайди, қиммати ва аҳамияти нимада?

Фарғоний асари ягона нусхада бўлиб, 1962 йили Москвадан Русия Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимига берилди. Бу асар фақат бир нусхадан иборат бўлиб, қисқа тавсиф билан «Описание персидских и таджикских рукописей института народов Азии» номли каталогнинг «илова» қисмида (1964, I, №58), ҳамда Стори Чарльз Амбраузнинг «Персидская литература» асарининг учунчи жилдида қисқача тавсиф этилган⁴²³.

Фазлий Фарғонийнинг «Умарнома» асари (қар.: 17^а, 18^а, 19^б.) тожик тилида ёзилган манзума дoston бўлиб, асосан Умархон даврига бағишланган. Умархондан олдин хон бўлган Қўқон хонларининг даврлари жуда қисқа баён этилган. Асар матни Қўқон қоғозига ёзилган бўлиб, рангли рамка ичига олинган. Асарнинг биринчи бети чиройли «сарлавҳа» билан безатилган. Хати настаълиқ. Матн қора рангда, бобларнинг номлари қизил рангда битилган. «Умарнома»ни ёзишда Фазлий Абдуллоҳ Ҳотифий (Жомий)нинг «Темурнома» асарини намуна сифатида танлаган⁴²⁴. «Умарнома» ёзилиши сабабларини Мушриф ўз асари «Шоҳномаи нусратпаём»да куйидагича изоҳлайди:

«... Жумладан, Мавлоно Фазлий Намангонийким, аср малик уш-шуароси ва даҳр фузалоларининг афзали бўлиб, шеърият майдонида сўз чавғони билан сабқат гўйини яқинлари ва ҳамкасбларидан тортиб олган эди. Алҳақ, у замонанинг забардасти ва сўз лашкарининг сипоҳсолоидирким, камоли жавҳари гаронбаҳо ва тожомули ели руҳбахшдир. Унинг соф назми олдида зилол сув ҳам дурданнўш ва нозук қалами олдида ҳилол ҳам қулоғига қулликдан ҳалқа осгандир. Назм фасоҳатида назир ва наср балоҳатида адили йўқдир. «Шоғнома»сини ҳазрати амири кабир (Умархон) номлари ва карами унвонлари билан беаб, уни нусратосор сафарлар воқеати ва рустамдорлар лашкари юришлари билан шоҳона (қизил)-лола ва обдор гавҳардек оро берган.

... Машороалайҳ (Фазлий) аввали ҳолда илму донишдан сармоёси бор эди. Лекин аҳволининг қиссаси зар ва молу бойликдан ва иқбол қафи ривож диноридан бўш эди. Шундайки, у ҳақида, дунё аруси парда орқали ҳам унга назар солмаган ва ақлу ҳуши унинг жамоли васфини эшитмаган ва золим фалак чархидан унга кўп жафолар, шоҳнинг инъому тухфа дарахтидан бирор мева унга тегмаган, таманно гулзоридан мурод гулини термай ва орзуларининг қўли мақсад этагидан ушламаган ва сўз бозорининг расталарида унинг чаманига харидор йўқ эди. Шунинг учун ҳар бир киши олдида бу байтни такрорлаб юрарди:

Ҳунарим матоини олиб борсам Нохид бозорига,

Харидор нозидан қачонгача миннат тортаман?

Лекин Хусрав лутфу карамларининг қуёши чарақлаганда унинг ухлаган бахти уйғонди ва султон бахшишларининг бир қатрасидан унинг хиради ғафлат ва эътиборсизликда ҳушёр бўлди. Бу рангин манзума ва дилнишин мақула силаси жиҳатидан Шаҳриёрий эҳсонининг майхонасидан шундай сероб бўлдики, ахийри замонанинг муттамаввули (молу бойлик соҳиби) ва машҳур кишисига айланди. Ўша «Шоғномаи манзума»нинг фасих иборати Хусрав маҳфили ва мажлисида ёқмай қолди ва султон базмининг бир иштирокчиси фурсатдан фойдаланиб ҳумоюн (Умархон)га гўшрас этилди» («ШН», 27^а, 28^б]. Ҳақиқатан ҳам Фазлий икки марта Қўқондан сургун қилинган экан. Асарида у иши эвазига бирон нарсага эга бўлишни кутгани ҳам ёзилган.

Фазлий Фарғоний ўз асарини шахсий ташаббуси билан ҳам ёзиб катта инъом ва илтифотлар кутиши мумкин эди. Шу даврда Умархон ҳомийлиги остида саройда кўп шоирлар, уламо ва адаб аҳли йиғилган бўлиб, улар моддий ёрдам олардилар. Асар ёзилиши даврида, яъни 1820 йилларда Фазлий катта заминдор ва моддий жиҳатдан таъминланган давлат арбоби эди. Унинг ушбу мартабаси ҳам асарда баён этилган.

«Умарнома» муаллифи эслашича, олдинлари ҳам шоирлар маддоҳлик қилиб, катта бойликларга эга бўлганлар. Марҳаматлар кўрганлар. У мисол тариқасида Фирдавсийнинг «Шоҳнома» ва Ҳотифийнинг «Темурнома» асарларини тилга олади.

«Умарнома» асари анъанавий муқаддима ва 42 бобдан иборат асосий қисми ичига олади. Қўлёзмада асарнинг хотима қисми йўқ ва охириги боб баёни 158^б рақамли варақдан сўнг узилган.

⁴²³ СториЧ. А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. В трех частях, – часть 3. – Москва: Наука, 1972. – С. 1187.

⁴²⁴ Бу асар ҳақида қар.: Ҳотифий Абдуллоҳ. Темурнома // Қўлёзма Россия ФА ШИ Санкт-Петербург бўлими, N В 143; Тарихи адабиёти тожик / Асрҳои XVI ибтидои асри XX. – Душанбе, 1988. – Б.16-20.

Асар қуйидаги тартибда тузилган:

Дебоча: муножот (4^а-6^а. қар.]. Фи наъти Набий салаллоҳу алайҳи вассалом, (6^а-8^а), дар сифати мерож, (8^а-11^а), хитоб ба нафси худ (11^а-14^а), эътироф ба нуқсонини худ (14^а-16^б].

- Муқаддима (19^б-20^а].

- Хони соҳибқироннинг насли ва Темур авлодидан бўлганининг баёни (20 а-20^б].

- Норбўтахоннинг жаннатмакон ҳукумати баёни (20^б-24^б].

- Амралмуслимнинг болалигидаги журъати ва шижоати ҳақида (24^б - 26^б].

- Марҳум Амир Олимнинг жаннатмакон ҳукуматининг сифоти (26^б -31^а].

- Амрал-муслимин Султон Умар Баҳодурхон салтанатининг баёни (31^а].

- Амири соҳибқироннинг Тошкентга азимат қилгани ва Қобили ноқобилни қўлга олиб, ўша мамлакат остонасида сиёсат қилгани ҳақида (31^а-37^б].

- Амир ал-муслимин салтанати ва унинг ҳукуматига Бухоро амири Ҳайдарнинг ҳасад қилгани ҳақида сўз (37^б-39^б].

- Мир Ҳайдарнинг наслу насаби ва унинг шоҳликка беҳуда даъво қилгани (39^б-41^а].

- Маҳмудхоннинг амир ал-муслиминга итоат қилиб, амир Ҳайдардан юз ўғиргани ҳақида (41^б-43^б].

- Маҳмудхоннинг амир ал-муслиминга арза ёзгани ва аҳду паймон учун киши жўнатгани.

- Мир Ҳайдарнинг ғзаб билан Маҳмудхон устига отлангани ва амири соҳибқирон лашкарининг қорасини кўриб, Истаравшан (Ўратепа)дан қочиб кетгани (44^б-46^а].

- Амир ал-муслимнинг ҳиммат юзасидан амир Ҳайдарга қарши отлангани (46^а-50^б].

- Амири жаҳонгирнинг ғайрат ва шижоат билан Мир Ҳайдар олдига келиб, уни топмоғони (50^а-51^а].

- Маҳмудхоннинг Ери ва Панжакентни забт қилиш учун амир рухсати билан чиқиб отлангани ва қўшиннинг мағлуб бўлиши (51^а-52^а].

- Маҳмудхон лашкари ўша ҳудудга ҳужум қилиб Пешоғар қалъасини олгани ва кечаси душман қўшинини етиб келишлари.

- Бундан сўнг амири соҳибқироннинг Кеш шаҳри устига бориши ва Ниёзали парвоначини Каттабек билан ўша чегарада ўзига тобе қилгани (54^б-58^а].

- Ниёзали парвоначининг итоат қилиб амир ал-муслимин хизматига келгани (58^а-61^б].

- Амири диловарнинг Дашти Қипчоққа сайли лолазор учун отлангани (61^б-64^а].

- Ҳазрати амирни Хўжа Аҳмад Яссавий зиёрати учун таважжуҳ қилғони ва унинг савоби учун Туркистонга боргани ва шу ўлкани фатҳ қилгани (64^б-72^б].

- Амири диловарнинг шу ўлқадан Фарғонага қайтиши (75^б-77^а].

- Ҳазрати амир ал-муслимин ахлоқининг сифати ва давлати яқинлари ва дуоғўйлари ҳақида (79 а-81^а].

- Қозилари ва жамъи мулозимларининг васфлари ҳақида сўз. (79^а-81^а].

- Одилтўра қозоқ сифоти ва ҳазратга итоат рамзи учун ўғлини юборгани ҳақида (84^б-92^а].

- Тўқай тўра қозоқнинг хусумат кўрсатиб, Туркистонни қамалга олгани ва Бозор баҳодурнинг Тошкентдан етиб бориб Тўқай тўра лашкарига шикаст бергани ҳақида.

- Ҳазрат Баҳодур парвоначи қирғиз фасодчиларини жазо бериш учун юборгани (Сотти қирғизга қарши унинг отлангани) (97^а-102^а].

- Ҳазратнинг боғ қуриш учун режа тузиб, тўпчибошига бергани (102^а-108^а].

- Ҳазрати амир ал-муслиминнинг Чин ҳоқони лашкарларидан хафа бўлиб уруш олотларини тайёрлаш учун аслаҳасоз усталарга буйруқ бергани (108^а-113 а.].

а) зарробхона тавсифи;

б) заргарлар тавсифи;

в) жабдуқчилар васфи;

г) жибачилар васфи;

д) шамшисозлар васфи;

е) камонгар (ёйчи)лар васфи;

ё) тиртарош (ўқчи) васфи;

ж) синонгар ва пайконгар (найзачилар) васфи;

з) милтиқсозлар сифоти ҳақида;

и) Хўжа Яҳё камонгар сифоти ҳақида;

к) Хўжа Қосим оҳангар (темирчи) ҳақида;

л) Хўжа Иброҳим оҳангар васфи;

м) Уста Жамшиж (яроқчи) васфи;

н) Уста Дониёр (яроқчи) васфи;

Ҳазрати Амир ал-муслиминнинг амир Ҳайдарнинг отлангани хабарини эшитгани ҳақида (114-117^а].

- Мир Ҳайдар омади келмагани ва ўз манзилида қолиб ҳийлага қўл ургани ҳақида (117^а-121^а].

- Амири диловарга Пешоғар қалъасини манзур бўлмагани ва шу ҳудуд хизматини Маҳмудхонга бергани.

- Тўқайхоннинг иккинчи марта қозоқия қабиласидан қўшин йиғгани ва унинг изига амир ал-муслиминнинг тушгани (124^а-128^а].

- Ҳазратнинг Бекларбегига буюриб ўша муфсидларга қарши урушга юборгани (128 б.-134^а].

- Ҳазратнинг Қутлуғ Саййид қабиласига қирғизларга қарши боришга буйруқ бергани (134^а-136^а].

Амир соҳибқироннинг амир Ҳайдарга қарши Самарқандга отлангани (136^а-143 а.].

- Ҳазрати амир қайтганидан сўнг Атолиқбек лашкарининг Маҳмудхондан мағлуб бўлгани (143^а-146^а].

- Амир ал-муслиминнинг ахлоқи ҳамидалари ва адлу инсофининг хосияти ва барокати ҳақида (146^а-148^а].

- Ҳикоят, бар сабили тамсил (148^б-152^б].

- Ҳазрати Амирнинг Баҳодур парвоначини қирғизлар ва йўлтўсарлар қабиласини жазолаш учун юборгани (132^а-155^б].

- Ҳазрат амир ал-муслиминнинг Маҳмудхонга панд бериб, уни фасод ишларидан манъ қилгани (155^б-158^б].

«Умарнома» асарида тарихий воқеаларнинг тафсилоти 20-варақдан бошланади ва унда Қўқон хонлигининг бошланғич даври Фарғонанинг биринчи ҳокимлари ҳақида сўз юритилади. Шунинг таъкиди этиш керакки, бу асарда Олтин бешик қиссаси йўқ ваҳоланки, у Қўқон тарихнавислик анъаналарига кўра Минг қабиласининг аждоди ҳисобланади. Фазлийдан кейинги тарихчилар Мушрифдан бошлаб ўз асарларида шу қиссани келтирганлар. Бу қисса эса Минг қабиласидан чиққан хонларнинг тахтга бўлган ҳуқуқларини ғоявий жиҳатдан асослаб беради. Бу қиссага Фазлийнинг эътиборсизлик билан муносабатда бўлиши унинг асари хон диққатига манзур бўлмаслигига сабаб бўлган.

Норбўтахон ҳукмронлиги даври баёни 20^б-24^б варақларда акс этган. 26^б-31^а варақларда Олимхон даври баён этилган. 31^б варақда Умархон воқеотлари бошланади. Шу боблардан Олимхон даври Фазлий талқинида таҳлил қилишимиз керак бўлади. Амир Олимхон ибн Норбўтахон (1798-1810) суиқасд натижасида ўлдирилади ва унинг ўлимига укасининг фаол қатнашгани бошқа манбалардан маълумдир. 1798 йили Қўқон тахтига ўтириб Олимхон Фарғона водийсини Қўқон итоатига киргизиб бир неча марта Ўратепага қўшин тортиб, уни 1806 йили забт қилади.

1809 йили у Тошкентни ўз тобелигига киритиб 1810 йили Сайрам ва Чимкентга ҳам лашкар юборади.

Олимхон кўҳистонликлардан қўшин тузиб уларга ҳомийлик қиларди, унинг таянч кучлари ҳам шулар ҳамда қуллардан ташкил топган лашкар эди. Уларнинг кўп вакиллари мансаб ва амаллар берди. Натижада, Кўҳистондан чиққан аскарлар билан шаҳар аҳолиси ва руҳонийлар ўрталарида қарама-қаршилик пайдо бўлди. Олимхон сохта сўфилар, шайх ва тариқат пирларига ҳам қарши чиқиб, уларни ўзига қарши қилиб қўйди. Кўчманчи қабилаларнинг бийлари, руҳонийлари вазиятдан фойдаланиб, Олимхон ўрнига Умархонни лойиқ номзод деб билдилар. Сайрам ва Чимкент юришидан сўнг Олимхон ҳамма ўлжани ўзига олади ва йиғма қўшин норозилиги охириги нуқтага етади. Олимхон 12 йиллик хонликдан сўнг, 36 ёшида Сарой мавзеида ўлдирилади. Амирхон хонлик тахтига ўтириб Туркистонни Қўқон тобелигига киритганидан сўнг (1818 йили) ўзини амир деб эълон қилади. Асарда Олимхон қораланиб, золим, ситамкор сифатида ном олган ва табиатида касаллик ҳам мвжуд бўлган савдодий киши ўрнида талқин қилинган.

«Умарнома»да хонликнинг Бухоро амирлиги, Кўҳистон, Шарқий Туркистон ва жанубий Қозоғистон элатлари билан бўлган ўзаро муносабатлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учрайди.

Асарнинг Қўқон хонлигидаги косибчилик ва косиб-хунармандлар ҳақидаги маълумотлари ҳам катта аҳамиятга эга. Унда Умархоннинг яқинлари ҳақида ҳам хабар бор. Фазлий Фарғоний Юсуф Хатот, Кўкалдош Иноқ меъмор ҳамда замонасининг машҳур косиб-хунармандлари заргар ва яроқсоз (Уста Хўжа Яҳё камонгар ёйчи), Хўжа Насим оҳангар (темирчи), Хўжа Иброҳим, Уста Жамшид, Уста Дониёлларни тилга олади.

Шундай қилиб, Фазлий Фарғонийнинг асари Қўқон историографиясида биринчи нодир асарлардан бўлиб, Қўқон тарихчилари мактабида ўзининг хос ўрнига эгадир. Асарнинг

тугалланмаган ҳолат ва ягона нусхада етиб келиши олимларимиз орасидаги баҳсу мунозараларга сабаб бўларкан, бу ўринда айтиш лозимки, мазкур асар мазмунининг ҳоким табақа, хусусан, амир Умархонга ёқмагани ва шу сабабли уни насрда қайтадан ёзиш учун Мушрифга топширгани билан изоҳланади. Шу сабабли унинг қўлёзма нусхалари кўчириб кўпайтирилмаган ва асар чала қолиб, Умархон топшириғини бажарган Мушрифнинг янги асари шуҳрат топган.

«Умарнома» асари Фазлий Фарғоний (Абдулкарими Намангоний) ижодини ўрганишда бошқа асарлари билан бир қаторда асосий манба саналади. Уни таржима қилиб, нашрдан чиқариш эса, шубҳасиз, Қўқон тарихи ва маданиятини ўрганишда катта аҳамият касб этувчи омиллардан бири бўлажак.

IV.I. 3. Мирзо Қаландар Мушриф Исфарагийнинг «Шоҳномаи нусратпаём» асари.

Мирзо Қаландар Мушриф Исфарагийнинг «Шоҳномаи нусратпаём» (Ғалабадан дарак берувчи шоҳ китоб) номли тарихий асари форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, ҳозирги кунда бу асарнинг иккита қўлёзма нусхаси мавжуд. Улардан бир нусхаси Россия Фанлар Академиясининг С471 рақам остида, иккинчиси эса Тожикистон жумҳурияти Шарқшунослик институтининг қўлёзмалари фондида (қўлёзма 10088, 73 вар.) сақланади. Биз ўз ишимизда асарнинг Санкт-Петербургдаги қўлёзма нусхасидан фойдаландик⁴²⁵.

Мирзо Қаландарнинг таржимаи ҳоли борасида кўп маълумотга эга эмасмиз. Ўз номига «мушриф» унвонини қўйгани муаллифнинг мирзолиги ва саройда амалдор бўлиб, хон аҳли доирасига кирганидан дарак беради. Исфарагий ёки Исфаройиний нисбаси эса унинг Исфарадан бўлганлигини билдиради.

«Мунтахабут-таворих» муаллифи Муҳаммадҳакимхон маълумотига қараганда, Умархон 1818 йили Мирзо Қаландарни қозий аскар этиб тайинлаган. («МТ», II, 453]. Маълумки, қозий аскар қўшинда хизмат қилиб шариат қонун-қоидалари, тартиблари устидан назорат қиларди. Бу амал-лавозимга, албатта ўқимишли ва саводи чиққан фақиҳ-олим тайинланиши аниқ.

Мирзо Қаландар Мушриф Исфарагий бу асарни, юқорида айтганимиздек, Қўқон хони амир Умархоннинг бевосита буйруғига биноан Фазлий Фарғонийнинг «Умарнома» асари асосида ёзган («Шоҳномаи нусратпаём», 24^б, 29^а]. Муаллиф Умархон саройида ва қўшинида хизмат қилган шоир, тарихчи олим бўлиб, унинг бу асари кейинроқ ёзилган манбаларда бошқа ном остида ҳам тилга олинади. Масалан, «Тухфатут-таворихи хоний»да у «Шоҳномаи Умархоний» номи билан тилга олинган («ТТХ», 167^а].

Амир Умархон 1822 йили Фазлий Фарғоний томонидан ёзилган «Умарнома» асарини маъқуламайди ва Мушрифга уни бошқадан ишлаб, наср тилига ўгиришини буюради:

«Бир куни бу остонанинг мушрифи ва бу хонадоннинг эски бандаси, бу сулоланинг санохони, бахт юлдузимни бу анжуман ва давлат адлидан ёритиб, неъмат ва марҳамат кутаётганлар қаторида, хуш-ёдимни эшитишга бериб, қўлдан қўйилган китобга ўхшаб (Умархон) мажлисида турар эдим. Шу аснода жаҳонпаноҳнинг олий диққатларига «Равзат ас-сафо» муқаддимаси ва «Зафарномаи темури» ва бошқалардан сўзлар ўқиб эшитилардиким, улар шаҳриёр мажлисининг каромат бозорига манзур бўларди. Қазодан шу вақтда султон базмининг истехкоми шерозасидан менинг паришон хавасим осмонида саъди акбар буржидан зиёбахш нур сочилиб умидим тунини ёритди. Ҳазрати амири Жаҳонгир бу ҳақир бандага хотири мунавварларининг кимё асар назарини қаратиб буюрид: «Гарчанд назм фасоҳати хушдур, лекин наср балоҳати асрбоби дониш қулоғига дилкашроқ ва ёқимлироқ етади, зероки, наср майдонининг фазоси кенгдир. Агарда бу фасоҳатшоир биёбони барқрафтор саманд жавлони билан босиб ўтилса, аниқ, муддао манзилларининг бирортаси четланиб ўтилмайди ва мозий воқеаларнинг бирор нуқтаси хуфия пардаси орқасида қолмайди. Лекин эътибор оламида бирор нарса зиддиятсиз бўлмагандек, назм ва насрсиз бўлмайди. «Қуръони мажид»даги ҳазрати Юсуфнинг аҳсан ал-қиссаси, «Шоҳномаи мулки ажам» ва шунга ўхшаган асарлардек, олий фармонимиз шундай бу «Шоҳномаи номи» (Умарнома-Ш.В.) никим, бизнинг савоб ишларимизни акс этган, фикримизга қарши бино бўлди... хусравоний марҳаматимиз ва султоний лутфларимиз мадади билан сиёмушкин хомангни барқдек, сўз бобида жавлон бериб бу чегарасиз «Шоҳномаи манзума» биёбонига кириб,

⁴²⁵ Қаранг: Ромодин В. Новый источник по истории Кокандаского ханства // Проблемы востоковедения, 1959. №3. – С. 110-113; Қаюмов А. П. Қўқон адабий муҳити. – Б. 14; СториЧ. А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. В трех частх. Том. III. Москва: Наука. 1972. – С. 1188-1189; Миклухо-Маклай Н. Д. Описание таджикских и персидских рукописей Института востоковедения. Вып. III. – Москва-Ленинград, 1975; Вахидов Ш. Сочинение Фазли Фарғони «Умарнома» // Адабий мерос, 1991 №3. – С. 28-32.

унинг таҳрир ипига тортиб бизнинг марҳаматимиз саройига ҳадя этгин. Агарда сўзларнинг жавоҳирлари қабул хазинасининг дарёсига тушса «офарин» деймиз! Бахт камоли сеники бўлади.

Хусравнинг руҳафзо лутфу марҳаматининг елидан хотирим ғунчаси чаман-чаман очилиб, бу ҳукм билан рамазони муборак ойининг бошларида, сана 1237 ҳижрий йили (милодий 1822 йили май ойининг охирлари) сўз биёбонига журъат оёғимни кўйдим» («ШН», 27^а-31^б)

Бу асарда Қўқон тарихчилик мактабида биринчи маротаба минг қабиласининг келиб чиқиши Олтин бешик қиссаси асосида баён қилинган. Умархонни саййидлик насаби «исбот» қилиниб, ҳатто унинг онасининг ҳам пайғамбар авлодига мансуб эканлигини қуйидагича берилган:

«Умархоннинг онаси Саййид Имомқулихоннинг қизи, унинг онаси Оғашоҳ хонум бинти шоҳ Рустам ибн Рустикхўжа ибн Шоҳкўчак ибн Муҳаммадалихўжа ибн Хўжа Муҳаммад Бобо ибн Хўжа Юсуфали ибн Хўжа Юнусали ибн Юнусхон ибн Абдуқуддусхонхўжа Дарвешали ибн Саййидкарим ибн Хўжа Олим ибн Саййид Амин Хусайн ибн Қутбиддин ибн Хўжа Нуриддин ибн Хўжа Хатибуддин ибн Шайх Кабир Муҳаммадхўжа ибн Хўжаали Ҳаким ибн Хўжа Тоҳир ибн Хўжа Ҳоди ибн Хўжа Саййид Зоҳир ибн Имом Али Тақий⁴²⁶ ибн Имом Муҳаммад Нақий⁴²⁷ ибн Имом Али Мусо ибн Ризо⁴²⁸ ибн Имом Али Мўсо Козим⁴²⁹ ибн Имом Жаъфари Содик⁴³⁰ ибн Имом Муҳаммад Боқир⁴³¹ ибн Муҳаммад Зайн ал-обидин⁴³² ибн Саййид уш-шаҳид имом Хусайн⁴³³ ибн Фотима Ризоуллоҳу анҳу» («ШН», 54^а).

Асар муаллиф битган дастхат қўлёзма орқали етиб келган бўлиб, қуйидаги боблардан иборат: муаллифнинг дебочаси (17^б-29^а), муқаддима (31^а-56^а), минг қабиласининг насабномаси, биринчи хонлар, Муҳаммадумархоннинг шажараси, унинг тарихи болалигидан ўлимигача ҳикоя қилади, (56^а-144^а). Муҳаммадалихоннинг тахтга чиқиши баёни (144^б-149^а).

Маълумки, Саййид атамаси Арабистонда қадимдан қабила ашрафлари ва зодагонлари ҳамда қабила бошлиғига берилади ва «доҳий», «хўжайин», «рахбар» деган маънони англатади. Қуръони каримда ҳам салбий (12, 25), ҳам ижобий маънода эслатилган.

Кейинчалик бу сўз олий мартаба даражаси билан ислом Пайғамбар авлодларига мансуб бўлиб қолди. Кўпинча у Муҳаммаднинг невараси ал-Хусайн уруғига тегишли бўлганларга берилган бўлди. Мусулмонлар жамоасида улар энг обрўли ва эътиборли доирага кирардилар. Мусулмон ҳокимлари ва хону подшоҳлари бу ном билан ўзларини пайғамбар авлодига мансуб қилиб «Саййид» деган номни отларига қўшганлар.

Шундай маънода Қўқон хонларининг насабномаларида «хўжа» номи ҳам қўшилди. Бу фахрий унвон «хулафои рошидин, тўрт энг улуғ халифалар» – Абубакр (634 йили 23 август ўлган), Умар (644 йили вафот этди), Усмон (656 йили ўлдирилди) ва Али бин Аби Толиб (661 йили 21 январидан ўлган) авлодларига берилган. (Ҳазрат Алининг пайғамбар қиз Фотимадан бўлган авлоди бунга кирмайди-Ш.В.).

Шундай қилиб, «хўжалар» ҳам мусулмон Шарқ ижтимоий иерархиясида катта ўрин эгаллаганлар. XVII-XIX асрларда Ўрта Осиё ҳамда Шарқий Туркистон тарихида «хўжа»лар катта ва муҳим роль ўйнаганлар. Қўқон хонлигининг илк ташкил топиш жараёни айнан хўжалар (Чодак хўжалари) фаолияти билан боғлиқдир⁴³⁴. Асарда, айтганимиздек, бу каби айрим масалалар унинг манбаси «Умарнома»дан кўра кўпроқ ва кенгроқ ёритилган. Умархоннинг юриш ва жанглари ҳам муфассалроқ баён қилинган.

Асар таркибига кирмаган, лекин шу даврга мансуб бўлган бир воқеа нима учундир қўлёзманинг бошидан ўрин олган (1^б-16^б). Булар Қўқонга Хива хони Муҳаммадраҳим (1806-1825) олдидан келган элчилар хусусидаги ва Қўқон-Бухоро муносабатларига оид маълумотлардир.

Асарнинг матни кўп жойларда таҳрир қилинган, хошияларида иловалар келтирилган. Баъзи жойларда матн ўчирилган. Бу тузатишлар ҳам муаллифнинг ўз қўли билан таҳрир қилганига шубҳа

⁴²⁶ Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али ут-тақий, ал-Жаввод Бағдодда мелодий 835 йили вафот этган. Тўққизинчи имом.

⁴²⁷ Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ан-Нақий ал-Ҳодий. 868 йили Самарада ўлган. Ўнинчи имом.

⁴²⁸ Абулҳасан Али ибн Мўсо ар-Ризо. Тус яқинидаги Санобод кишлоғида 818 йили ўлган. Саккизинчи имом.

⁴²⁹ Абу Иброҳим (Абулҳасан) Мусо ибн Жаъфари Содик. Мадинада 732 йили вафот этган. Еттинчи имом.

⁴³⁰ Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Содик. Мадинада 755 йили ўлган. Олтинчи имомлардан.

⁴³¹ Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али ал-Боқир. Мадина шаҳрида 732 йили вафот этди. Бешинчи имом.

⁴³² Абу Муҳаммадали ибн ал-Хусайн ас-Сажжод. 713 йили Мадинада вафот қилган.

⁴³³ Саййид уш-шаҳид Абу Муҳаммад ал-Ҳасан. Учтинчи имом. Абу Абдуллоҳ ал-Хусайн ибни Али аш-Шаҳид назарда тутилмоқда. Карбалода 680 йили 10 сентябрда ҳалок бўлган.

⁴³⁴ Қаранг: Ислом энциклопедияси / Янги серия. – Лейден-Лондон, 4, 907; Медлин В. Хўжа. Ислом энциклопедияси / Янги серия. Лейден-Лондон, 5. – Б 25-27; (инглиз тилида); Ислам / Энциклопедический словарь. – Москва-Ленинград., 1991. – С. 280.

йўқ. Демак, муаллиф бу асар устида узоқ муддат иш олиб борган. Бироқ асар ниҳояланмаган, унинг хотимаси йўқ, баъзи саҳифалар эса бўш ҳам қолган.

Қўлэзма ҳажми 15x14, 149 вар. 15-17 сатр. Матн ҳажми 17x8. Қўқон қоғози, хати настаълиқ. Матн қора рангда, боблар номи ҳамда ажратилган сўзлар қизил рангда ёзилган. Баъзи сатрларда матн рангли чизиқлар ичига олинган. Муқоваси қаттиқ қоғоздан безатилган бўлиб, чарм билан қопланган.

IV.I. 4. Дилшоди Барнонинг тарихий асарлари.

Шоира Дилшод-Барно тожик ва ўзбек адабиётида ўзининг бетакрор истеъдоди билан ажралиб туради. Унинг адабий асарлари билан бирга тарихий асарлари ҳам бизгача етиб келган.

«Тарихи муҳожирон» (Муҳожирлар тарихи) Дилшоди Барно қаламига мансуб ана шундай тарихий асарлардан биридир.

Дилшоднинг таржимаи ҳолига тегишли маълумотлар унинг асарларида ҳамда илмий рисоаларда келтирилган. Шоиранинг ҳаёти ва адабий мероси олималаримиздан А.Мухторов⁴³⁵ ва М.Қодирова⁴³⁶ томонидан илмий тадқиқ этилган.

Дилшод ҳижрий 1215, милодий 1800 йил Ўратепа шаҳрининг Мири Мушон маҳалласида, шу маҳалла масжидининг муаззини шоиртабиат Раҳимқули додхоҳ оиласида дунёга келган. Дилшод 13 яшарлигида унинг отаси Ўратепа мудофаасида қатнашиб ҳалок бўлади. Онаси ҳам отасидан уч йил олдин вафот этган эди. Шоира 90 ёшга кирган момоси Каттабиби қўлида қолиб «ип йигириб кун кечиради». («ТМ», 13⁶].

Ҳижрий 1232, милодий 1814 йили Умархон Ўратепага юриш қилиб, уни қамал қилади ва узоқ муддат давом этган муҳосирадан кейин шаҳарни босиб олиб, вилоят ҳокимларини ўлдиради. Шаҳар аҳолисидан 13400 нафарини асир қилиб, 400 кишини дорга осиб, қолган 13000 нафарини Қўқонга олиб кетади. Асирлар ичида Дилшод ҳам бор эди. 17 яшар қизнинг бувиси фироқ дардида оламдан ўтади.

Қўқонга келган Дилшод яна иккита қиз билан Умархон ҳарамига тортиқ этилади. Лекин Дилшоднинг шаддодлиги сабаб бўлиб, қиз амирга манзур бўлмайди ва уни зиндонга ташлатади. Зиндонбон ходим шоиранинг ҳамшаҳари бўлиб чиқади ва унинг қочишига ёрдам беради. Дилшод анча сарсон-саргардонликдан сўнг, гулахий сўфилар ёрдами билан бўлғуси эри Мулло Тош имом оиласига тушади. Мулло Тош Ҳожи калон маҳалласининг имоми эди. Дилшод унинг онаси қўлида тарбия топиб, ундан ўзбек тилини ўрганади. Қайнонаси вафотидан сўнг Дилшод мактаб очиб, қизларга таълим беради. Мулло Тош 1857 йили 90 ёшида вафот қилади. Шоиранинг ўзи юз йилдан кўп умр кўрган. Академик Аҳрор Мухторов тахминича Дилшод 1905-06 йили вафот этган⁴³⁷. Дилшод ўзидан кейин ажойиб мерос қолдирди. Шоира сифатида у ўзига «Барно» тахаллусини олади. Дилшод шеърларининг қўлэзма нусхалари, «Тарихи муҳожирон» (Муҳожирлар тарихи) асари тожик ва ўзбек тилида бизгача етиб келган. Биз бу ерда шоиранинг фақат тарихий-биографик мазмундаги «Тарихи муҳожирон» асари ва бу асарнинг Қўқон тарихнавислик мактабида тутган ўрни ҳақида сўз юритамиз.

Дилшоди Барно дастлаб форс-тожик тилида битган бу асарини ўзи ўзбек тилига таржима қилган. Тожик тилидаги нусха ҳозир Тожикистон Жумҳурияти Аҳмад Дониш номидаги Тарих, Археология ва Этнография институти фондида, ўзбек тилидаги нусхаси эса Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (инв.№1207) сақланади. Бу нусхалар Тожикистонда А.Мухторов⁴³⁸ ва Ўзбекистонда М.Қодирова⁴³⁹ томонидан нашр этилган.

Ҳар иккала қўлэзма нусханинг ҳам бош қисмлари йўқ. Шунингдек, бу қўлэзмалар бир-бирини тўлдиришга ҳам хизмат қиладиган фарқларга эга нусхалар саналади. «Тарихи муҳожирон» биографик-тарихий асарлар қаторига киради. Асарнинг қисқача мазмуни қуйидагилардан иборат:

1816 йилдаги Ўратепа камали бу воқеанинг Дилшод каби зукко шоҳиди томонидан ёзилган. Дилшод таъкидлашча, ундаги айрим тафсилотлар ҳатто «Тазкираи исломия (?)», «Тазкираи муҳориба», «Тазкираи Истаравшан», шоир Шаҳдий достони, Хўжа Калоннинг «Жангнома»сида ҳам йўқ экан (6-бет].

⁴³⁵ Мухтаров А. Дильшод и ее место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX – начала XX в. – Душанбе: Ирфон, 1969. – 372 с.

⁴³⁶ Қодирова М. Дилшод. – Тошкент: Фан, 1971; Шу муаллиф. 1972; Шу муаллиф. 1981: №17, 13-84.

⁴³⁷ Мухтаров А. Дильшод и ее место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX – начала XX в. С.48.

⁴³⁸ Ўша жойда. – Б.191-204.

⁴³⁹ Дилшод. Тарихи муҳожирон. – Тошкент:Фан. 1981. – С. 17, 73-84.

Дилшод ҳикоя қилишича, қамал ҳижрий 1232 йили бошланади. Узоқ давом этган муҳосирадан сўнг, Ўратепа босиб олиниб, аҳолиси асирга тушади. «Фарғона амири Умархон ўзи олим ва катта шоир бўла туриб, бу мазлум шаҳарнинг бирорта олим ва шоирига раҳм қилмади» (13-бет]. Чорсу мавзеида 400 киши ўлдирилади. Шаҳар ҳокимларидан Саримсоқбек ва Катта бек ҳам асирга олиниб ўлдирилади. 13 минг киши Навканд, Бекат, Куркат ва Маҳрам орқали Қўқонга олиб келинади. Дилшод яна икки қиз Иззатой ва Ҳурматой деганлар билан амир ҳарамига ажратиб олинадилар, қолган аҳоли эса Ўттиз адир деган мавзегга оқ уйлув (сургун этилади («ТМ», 23-28-бет].

Дилшод ва амир Умархон ораларида содир бўлган қуйидаги психологик-эмоционал ҳолат диққатга сазовордир.

«Мен билан амир ўртасида бир қора хонтахта, унинг устида бир коса сув, пичоқ ва бир анор бор эди. Амир баланд қоматли, бароқ қошли, кўз ва соқоли қора, очиқ юзли киши эди. Саломимга алик олгандан кейин менга хушмуомалалик билан сўзлар эди. Амир қанча хушмуомала бўлмасин, менинг назаримда майдондаги қон тўқувчи золим жалоддек намоён бўларди. У менга шундай деди: - «Кел, эй тожикнинг ғазалхон қизи...».

Шундан кейин савол-жавоб бошланиб, ном ва насабимни суриштиргандан сўнг, амир анор васфида бир ғазал айтишимни талаб қилди. Шу вақт бу ғазални бошладим:

Буни бир гунбази афлок кўрдим,
Ичини лик тўла ғамнок кўрдим.
Юзига парда тортиғлик ҳарирдан,
Дилини қон, кўзини намнок кўрдим.
Умархон тиғининг золим тиғидин,
Гўзалларнинг дилини чок кўрдим.

Ғазал тожик тилида шундай келган:

Дар ин дун гунбази афлок дидам,
Дарунаш пур ҳама ғамнок дидам.
Ба рўшон аз ҳарири парда доранд,
Ба дил хун, дидаҳо ғамнок дидам.
Зи теғи золим ҳукми Умархон,
Дили ҳар нозаниро чок дидам. («ТМ», 37^б].

Шеър бу байтга етган замон амир икки қарсак урган эди, маҳрам кирди. Амир унга «Бу гесўбуридани зиндонга олиб боринг», - деди ва у маҳрамга кўз билан ишора қилди, мен бу ишорада қандай маъно борлигини пайқамадим...».

Маҳрам Дилшоднинг юртдоши бўлиб чиқди ва унинг қочишига ёрдам беради. Дилшод ҳаммом оловхонасида гулахий сўфилар билан учрашади. Уларга Дилшод аҳволини баён қилиб «Омадам» (Келдим) радифли ғазалини ўқиб беради (қар.: «ТМ», 41-42^б) Шу сўфиларнинг шайхи қарори билан Дилшод Тош Маҳдум уйига олиб борилади. Шоира шу имомга эрга чиқиб қирқ йилдан кўпроқ у билан оила куради.

Дилшод 51 йил мактабдорлик қилиб, 881 нафар қизнинг саводини чиқарган. «Улардан яқин тўртдан бир қисми таъби назми бор шоира, оқила қизлар эди», - деб ёзади Дилшод («ТМ», 49-50^б].

Дилшод-Барно шу шоира шогирдлари ижодларининг умумий мавзуларини ҳам аниқлаганки, у тарихий шароитга боғлиқ «... умрининг охирги дамларида, шариат ҳукми йўлларида сафо ва адолат Фарғона ўлкасининг амирлиги ҳукмидан турли туман ҳодисалар, жанг ва жанжалларга дучор бўлиб, рус ҳокими қўлига ўтди. Натижада бир қанча зеҳн ва идрок эгалари икки ёқлама зулм: мутлақ ҳокимлик ва ислом уламоларининг иккиюзламачилик мазсунидан ўзларига махсус мавзулар олиб, назмлар айтиб ижод қила бошладилар. Ижод йўлида аксар аҳли таъб эгалари буюк амир ва адабиёт шоҳи Навоий (худо раҳмат қилсин) ғазалларини ўргандилар. Низомий, Умар Хайём, Ҳофиз, Бедил ва Фузулийларни ўзларига устоз деб билдилар («ТМ», 52^б].

Кейинги байтларда Дилшод-Барно шогирдлари шоира ва шоирлар ҳақида баъзи маълумотларни келтирадики, улар Қўқон адабий муҳитини ёритишда катта аҳамиятга эга. Булар Хайринисо, Баҳринисо, Акбарий, Нодира, Тўтиқиз, Саида бону, Мастураой, Фазилат бону, Кароматой, Олимхўжанинг хотини (?), Фидоия, Маҳинбону, Ҳофиза отин, Баҳри отинча, Анбар отинча, шоирлар Маҳжуб, Мунтазир, Гулханий, Эшон Шаҳдий, Зуфархонтурача, Махзаний, Туробий, Баҳорий, Бағдод эшон Низомий, Сабуқий, Садоий, Девона қорийларни тилга олиб

баъзиларининг ҳаёти ва ижодларига боғлиқ қимматли маълумотларни беради⁴⁴⁰. Дилшод-Барнонинг яна «Тарихи муҳосира» (Қамал тарихи) ва «Ўротепага хати муштоқона» номли шеърий асарларида ҳам тарихий воқеаларга ўз муносабатини билдирган.

«Тарихи муҳосира» асари ўзбек тилида бўлиб, ҳар бети 16 сатрда, Қўқон қоғозига ёзилган. Ўлчови 15x26,5, икки устунда, 8 сатрдан. Шеър остида «Дилшоди-Барно. Сана 1232 Хўқанд» деган ёзув бор. Шу йили 1816 йили Дилшод Қўқонга асир этиб олиб келинган эди. Бу сана шеърнинг ёзилиш вақтини кўрсатмайди, зероки 17 ёшли Дилшод ҳали ўзбек тилини билмас эди⁴⁴¹.

«Ўротепага хати муштоқона»-Шеърий мактуб ўзбек тилида бўлиб, Қўқон қоғозига битилган. Ўлчови 15x26,5 16 сатр, икки устунда. Матн ўлчови 7,5x8.5. Матн тагида «ар-роқим Дилшод-Барно сана 1243» (ёзгучи Дилшод-Барно 1243 (1827) 28 йили деган ёзув бор. Бу асарда Дилшод-Барно Қўқон хонлиги барҳам топилгандан сўнг содир бўлган баъзи воқеаларни эслайди.

Хулоса қилиб айтганда, Дилшоди Барно ўзининг биографик-тарихий мазмунидаги асарида тарихий воқеалар билан бир қаторда Қўқон хонлигининг маданий-адабий ҳаётига тегишли қимматли маълумотларни беради. Дилшод Қўқон тарихчилари ичида шу билан фарқ қиладики, у ўз асарини икки тилда ёзган ва унинг «Тарихи муҳожирон» асари икки тилда ҳам равон ва бир-бирини тўлдирадиган даражада ёзилган. Шоиранинг шеърияти ҳам иккала тил ўзбек ва тожик тилларида жуда ҳам табиий чиққанки, бу шоиранинг иккала маданиятга тегишли эканини исботлайди.

IV.I. 5. Увайсийнинг «Воқиоти Муҳаммадалихон» асари.

Увайсий – Жаҳон отин асли Марғилоннинг Чилдухтарон маҳалласидан бўлиб, 1780 йили таваллуд топган. Увайсий ўз замонасининг машхур шоираларидан бўлиб, Нодира-Моҳларойим ҳомийлигида Қўқонга махсус ёрлик билан келган эди. Увайсийнинг Қўқон адабий муҳитида кўрсатган хизмати ва ўрни адабиётчиларимиз томонидан ўрганилган ва таҳлил этилган. Увайсий 1845 йили 68 ёшида Марғилон шаҳрида оламдан ўтган⁴⁴².

Увайсийнинг тарихий достони «Воқиоти Муҳаммадалихон (Муҳаммадалихон воқеалари)» деб аталади. Бу асарнинг нусхаси шоиранинг «Девони» ва «Карбалнома» достони билан бирга кўчирилган бўлиб, нусхаси ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида, қўлёзма 1837 рақам остида сақланади. Достон кўчирилиши тугалланмай қолган. Менимча, муаллиф томонидан ҳам бу асар охиригача ёзилмаган. Мавжуд асарнинг қисми шуни кўрсатадики, Увайсий Муҳаммадалихон даврини тўлиқ ёзмоқчи бўлган. Маълумки, 1842 йили воқеасидан, яъни Муҳаммадалихон амир Насруллоҳ томонидан қатл этилганидан сўнг шу достонга яқин руҳда ёзилган Андалиб ва Мутрибнинг асарлари ҳам юзага келган эди. Ҳар ҳолда 1845 йилгача умр кечирган шоира бу воқеани баён қилмасдан асарини «Воқиоти Муҳаммадалихон» деб атаб, шу вақтда ҳалок бўлган ҳомийси Нодира ва Умархон ҳақида қуйидагича самимий сўзларни ёзмасди:

Эр шоҳлар орасинда ул Умархон,
Бир неча куни сурди даврон.
Моҳпора эди они заифи
«Макнун» дур тақаллуби латифи.
У Юсуф эди, будур Зулайхо,
Ул Вомиқ эди, у эрди Узро.
Бириси эди Лайло, бириси Мажнун,
Бир-бирини муҳаббатига мамнун!
(«ВМА», 233 а., б.).

Асарнинг ёзилган қисми Чин ғазотига бағишланган. Қўқон тарихидан маълумки, Умархон вафотидан сўнг (1822 йили), Қошғар ҳокимларининг ворисларидан бўлмиш Жаҳонгирхўжа Шарқий Туркистон-Қошғарга 1824 йили қочиб бориб хитойликларга қарши кўзғолон кўтаради ва Шарқий Туркистон тахтига чиқади. Қўқонликлар бу урушларда фаол қатнашган эдилар. 20-йилларнинг охири

⁴⁴⁰ Бу шоир ва шоираларнинг баъзилари ҳақида ортиқча маълумот академик А.Мухторовнинг асарида келтирилган. Булар Маҳжуб, Маҳзаний, Мунтазир, Мажзуб, Гулҳаний, Меҳданий, Туробий, Баҳорий, Низомий, Сабукий, Садоий, Девона қорий (Андалиб ёки Мутриб-?), Фидоия, Маҳинбону, Ҳофиза отун, Увайсий ҳамда Ўротепа шоирлари Шаҳдий, Зуфархон, Саидабону ва бошқалар (қар.: Мухтаров А. Дильшод и ее место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX – начала XX в. – С. 95-112).

⁴⁴¹ Мухтаров А. Дильшод и ее место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX – начала XX в. – С. 29; “ТМ”, 49^о.

⁴⁴² Қажумов А.П. Қўқон адабий муҳити. – Б. 242-249; Иброҳимова Э. 1960. №6.; Ўзбек шоирлари баёзи. – Тошкент: Фан. 1993. – Б. 11-14.

ва 30-йилларнинг бошларида Муҳаммадалихон Қўқон лашкари билан Қошғарга келади ва хитойликларнинг Гулбоғ номли қалъаси қамалида қатнашади. Қошғарга хитойликларга қарши уюштирилган икки юришдан сўнг, Муҳаммадалихон «Ғозий» исмини олади. Шу юриш тафсилотини Увайсий назмда баён этган. Асар мазмунидан шу нарса маълум бўладики, Муҳаммадалихон юришдан олдин онаси Моҳларойимнинг маслаҳати ва розилигини олар экан.

14x26,5. Матни 11 сатр. Настаълиқда, Қўқон қоғозига кўчирилган. Котиби Муҳаммадюнусхон. Шоиранинг девони ва «Карбалоннома»си билан бирга ҳижрий 1214 (милодий 1859) йили кўчирилган. Муқоваси кўк, таяки ва лабакийлари чармдан. Учта тамғаси бор. Иккитасида «Абдулқаҳҳор саҳофнинг амали, 1265» деган муҳр бор. Муқова ўлчови 27x16,7. 151 байт. 7 вар. (233^a–246^b).

IV.I. 6. Мутрибнинг «Шоҳномаи девона Мутриб»асари.

Бу асар Азиз Қаюмовнинг «Қўқон адабий муҳити» китобида ҳам таҳлил этилган⁴⁴³.

«Шоҳномаи девона Мутриб» асарнинг уч нусхаси бизгача етиб келган. Улардан Россия Санкт-Петербург ФА ШИ бўлимидаги Т рақам остидаги 2412 қўлёзма тўлиқдир. Тошкентдаги икки нусхаси эса ноқис ва тўла эмас.

Асар 1842 йили Қўқонда содир бўлган воқеалар, яъни Фарғонанинг Бухоро амири Насруллоҳ томонидан босиб олиниши ва Қўқон шоираси Нодири-Моҳларойимнинг ваҳшиёна қатл этилишини баён қилади. Асар дoston шаклида жуда содда ва равон тил билан ёзилган бўлиб, оддий ўқувчи учун мўлжалланган. Қисқача мазмуни Азиз Қаюмов китобида қуйидагича келтирилган:

«Қўқон хони Муҳаммадалихон баъзи ёмон ниятли вазирларининг сўзига ишониб, укаси Султон Маҳмудхоннинг тахтга даъвоси бор деб, шубҳа қилади ва уни Шаҳрисабзга жўнатади. Уларнинг онаси Моҳларойим кичик ўғлидан ажралиб, унинг фироқида зор-зор йиғлаб қолади.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Бухоро амири Насруллоҳ Қўқонга бостириб кела бошлайди. У Ўратепа, Қўқон, Карокчиқумни босиб олиб, Султон Муҳаммад ҳукмига ўтказди. Шундан сўнг, Муҳаммадалихон ўз укаси билан келишади ва Тошкентни ҳам унинг ихтиёрига ўтказди. Биродарларининг ўзаро келишиб, иттифоқ тузганидан хабар топган Насруллоҳ яна Қўқонга ҳужум бошлайди.

Султон Маҳмудхон Тошкентдан Қўқонга қайтиб акаси ва онаси билан учрашиб, ҳокимиятни ўз қўлига олади. Аммо бу пайтда Бухоро лашкари Қўқонга кириб келган эди. Муҳаммадалихон Марғилонга қочади. Аммо одамлар уни тутиб Насруллоҳга топширадilar. Муҳаммадхонни Қўқонга амир Насруллоҳнинг олдига олиб келдилар. Улар ўртасида қисқача диалогдан сўнг, амирнинг буйруғи билан Муҳаммадалихон қатл этилади. Шундан кейин қамалиб ётган Султон Маҳмуд ва Муҳаммадалихоннинг 12 яшар ўғли Муҳаммадаминхон ҳам қатл этилади. Болаларнинг ўлимига чидай олмай амирга қаттиқ сўз айтиб, уни лаънатлаган Моҳларойим ҳам амир Насруллоҳнинг буйруғи билан қатл этилади».

Бу асарнинг қиммати шундаки, асосий қаҳрамонлар хону хонзодалар ва уларнинг оналари оддий инсон мақомида тасвирланган. Уларнинг бошларига тушган фожиа ашрафларнинг инсонга хос бўлган ожизлиги, хорлиги, амирнинг эса золимлиги ва бойлигу мансаб, манфаат учун кўрсатган разолати очиб берилган.

Муҳаммадалихон одамларга мурожаат қилиб, улардан худо марҳаматига лойиқ бўлиб, дўзах азобига гирифтор бўлмаслиги учун дуо тилайди. Улардан узрхоҳлик қилиб, кечирим сўрайди, қилган ишларидан, етказган жабру ситамларидан пушаймон бўлади. У ўлимга маҳкум бўлганини тушуниб амирдан шафоат тилайди. Энди у зулму золимлик жазосиз қолмаслигини тушунади. Золим халқ қаҳрига мубтало бўлади. Асарда Моҳларойим образи марказий сиймо қилиб олинган. Бу малика ҳам бир жабрдийда она, кулфатзада, фарзанд доғига мубтало бўлиб, болаларининг ўлимларини кўраётган киши сифатида тасвирланган. Моҳларойимнинг шу хис-туйғулари, дарду аламлари, психологик руҳияти асарда жуда ҳам жозибали ва ҳаққоний тарзда Мутриб томонидан баён этилади. Муаллиф ўзини ҳам воқеанинг бир иштирокчиси сифатида кўрсатади.

«Шоҳномаи девона Мутриб»да воқеалар тасвири орқали оддий халқ руҳияти, унинг психологик ҳолатлари кўрсатилади. Асар шуни исбот қиладики, халқ хонларининг айбу гуноҳларини билса ҳам уни шундай йўл билан амир тарафидан жазоланишига қарши эди. Қатл қилиш бу Аллоҳ бандасининг иши эмас. Инсонга жон ато қилган Аллоҳнинг ўзи бандасига хўжайиндир. Бунга кўшимча Муҳаммадалихон баҳонаси билан укаси, ўғли, онаси ҳам қатл этилди.

⁴⁴³ Қаюмов А.П. Қўқон адабий муҳити. – Б. 314-321.

Халқ буларнинг ўлимларига афсусланди. Амир томонидан ҳоким этиб танланган Иброҳимбек хаёл жабрига гирифтор бўлади. Икки ойдан сўнг, бу манғит ҳокими Қўқондан ҳайдалади. Аммо, бу истило Қўқон хонлигидаги узоқ муддат юз берган ўзаро низолар, қонли урушлар натижасида Русияга ет бўлиб қолишимизнинг бошланиши эди, холос.

27x16,5 матн 15 сатрдан. Настаълик. Қўқон қоғозига қора ва қизил рангларда кўчирилган. Муқоваси чарм билан рўкач қилинган. 3 та тамғаси бор. Иккитасида Амали Тўрахўжа саҳҳоф 1256 (1841-1842) деб ёзилган.

IV.I. 7. Андалибнинг «Шоҳномаи девона Андалиб» асари.

Андалиб бу асарини Қўқонда 1842 йили юз берган воқеалардан сўнг ўзбек тилида ёзган. Шу йили Бухоро амири Насруллоҳ Қўқонни босиб олиб, Муҳаммадалихоннинг ўғли Муҳаммадамин, онаси Моҳларойим ва укаси Султон Муродхонни ўлдиради. Андалиб назмда шу воқеани лирик бир руҳда баён қилади. Асарда насрий парчалар ҳам бор. Андалиб Бухоро амирининг ваҳшийлиги, душман қўшинининг қатлу ғоратлари ва зулмларини қоралайди. Бу асарнинг бадий таҳлили А.П.Қаюмовнинг «Қўқон адабий муҳити» асарида (324-232 бет) келтирилган. Биз фойдаланган нусхалар ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Инвентар рақамлари №696, 596. II. Тавсиф биринчи нусха асосида берилди.

Асар таркиби қуйидагилардан иборат:

- Сўзбоши.

- Шералихон диловар подшоҳи золим (амир Музаффарнинг) Хўқондни олиб, хонларни бошини кесиб, ҳамма халойиқни паймол қилиб, уйлари тарож қилиб кетганини эшитиб тоқат қила туролмай хуруж қилиб, вилоятни яна манғит элидан олганлари (2^б-5^а).

- Подшоҳи Бухоро ўртасида давлат шаробидин маст ва ишрат майидан аласт эрди, кунларин бир кун аркони давлати бирла базм ороста қилиб ўлтуриб эрди, эшикдан бир қосид кириб салом қилди, таъзим ва тавозеъ қилиб замини убудият бўса қилиб айтдиким: Бир ой бўлдики, машрик тарафидан бир амири диловар хуруж қилиб, Хўқанд вилоятини мусаххар қилибдур. Иброҳим парвоначини шаҳардан бадарға қилиб, ҳукумат тахтига миниб Хўқанд вилоятини атрофига қалъа бино қилибдур деб, сўзини тамом қилди. Бу хабари жонсўзни эшитиб, маст эрди хушёр бўлди, уйқуда эрди, бедор бўлди. Ғазаб бирла лашкар йиғиб, Хўқанд вилоятини аввалгидан баттаррок вайрон қилиб, ба хоки даҳр яксон қилай деб, равона бўлгани (5^а-9^б).

- Подшоҳ лашкари бирла Саритол даштида кўп ётиб, нажосатга ботиб, лашкария ул саҳронинг бадбўйлигидан тоқат қилолмай, подшоҳга арза бериб Тўқайтефага бориб тушгони, анда ҳайрон-саросима бўлгани (9^б-11^б).

- Бухоро амирини сулҳу салоҳ учун Шералихон ҳузурига яна элчи юборгани (11^б-21^б).

Қўлёзма нусха ўлчови 27x16. Матн. 15 сатрдан, икки устунда, 512 байтдан иборат. Настаълик хати билан Қўқон қоғозига қора ва қизил рангларда кўчирилган. Муқовасига чарм тортилган ва 3 тамғаси бор. Иккитасида «Амали Тўрахўжа саҳҳоф» 1256 (1842 йил) деб ёзилган, 22 вар.

IV.I. 8. Муҳаммадҳакимхоннинг «Мунтахабут-таворих» асари.

Муҳаммадҳакимхоннинг «Мунтахабут-таворих» асари ва муаллифи Муҳаммадҳакимхон ҳақидаги маълумотлар асосан унинг шу асарида келган бўлиб, бу маълумотлар А.А.Семёнов, А.Қаюмов, А.Мухторов, Б.Аҳмедов, Ю.Хуршит каби олимларимиз тарафидан умумлашган ҳолда ўрганилган.

Юқоридаги олимлардан академик Азиз Қаюмов камина қатнашган суҳбатларда бир неча Муҳаммадҳакимхоннинг «Мунтахабут-таворих» асарини «Бобурнома» билан тенглаштирган эди.

«Мунтахабут-таворих» Ўзбекистонда манбашунос олим Энвер Хуршут тамонидан махсус ўрганилди. Э.Хуршут ўз тадқиқотларида асарнинг нусхалари, унинг манбалари, тарихий ва адабий манба сифатидаги аҳамияти, мемуар жанридаги нодир асар экани ва Ҳакимхоннинг саёҳатларини кенг таҳлил қилган⁴⁴⁴.

⁴⁴⁴ Қаранг: Хуршут Э. «Мунтахаб ут-таворих» – важный источник по истории Средней Азии и сопредельных стран // Общественные науки в Узбекистане. 1984. – № 7; Шу муаллиф. «Мунтахаб ат-таварих» как источник по истории Средней Азии и сопредельных стран XVIII-XIX вв // Общественные науки в Узбекистане (ОНУ). 1984. – № 7. – С. 36-42; Шу муаллиф. Ҳакимхоннинг ҳаёти ва саёҳатлари. – Тошкент: Фан, 1987. – 48 б; Шу муаллиф. «Мунтахаб ут-таворих» и его списки // ОНУ, 1987. – №5. – С. 41-47; Шу муаллиф. «Мунтахаб ут-таворих» и его источники // ОНУ, 1987. №11-12. – С. 39-

«Мунтахабут-таворих» асарини Муҳаммадҳакимхон форс-тожик тилида Китоб шахрида 1259/1843 йилининг ёз ойларида ёзиб тугатган. Иловаси 1844 йилнинг охири, 1845 йилида ёзилганини айтиш мумкин. Муаллиф нусхасидан шу 1843 йили яна ўн та нусха кўчирилгани маълум. Муҳаммадҳакимхон асарининг хонлик ҳудудларида кенг тарқалишига ўзи ҳам манфаатдор бўлгани учун ундан нусхалар кўчиришга анча саъй-ҳаракат қилган⁴⁴⁵. «Мунтахабут-таворих»нинг ўзбек тилидаги қисқартирилган таржимаси ҳам мавжуд⁴⁴⁶. Бироқ, мазкур нусхани Э. Хуршут П.П. Ивановга ўхшаб асарнинг ўзбек тилидаги варианты деб қабул қилишни тавсия қилади. Э.Хуршутнинг тадқиқоти натижасидан маълум бўладики, ўзбек тилидаги «Мунтахабут-таворих»нинг нусхаси асл форс-тожик тилидаги матндан анча йироқлашиб кетган. Унда кўп хатолар, воқеа ва саналарнинг чалкашлиги, муаллиф услубини содалаштириш ёки матнга даҳлат қилиш ҳоллари кўзга ташланади⁴⁴⁷.

Бугунги кунда «Мунтахабут-таворих»нинг Ўзбекистон, Тожикистон ва Россия ҳазиналарида 11 та нусхаси сақланади. Улардан №С 470 (Россия), №63 (Тожикистон) ва №592 (Ўзбекистон)даги нусхалари энг тўла ва яхши қўлёзмалар саналади.

Асарнинг Шахрисабзда Муҳаммадамин котиб тамонидан кўчирилган бир нусхасининг факсимилеси икки жилдда 1984 йили Душанбеда чоп этилди⁴⁴⁸. 2006 йили Муҳаммадҳакимхон асарининг иккинчи жилди араб-форс ёзувида Токиода ҳам босилиб чиқди⁴⁴⁹. Асарнинг тузилиши (Боб номлари эркин таржимада):

I боб. Пайғамбарлар.

II боб. Қадимий Эрон сулолалари.

III боб. Чин ва Фаранг шоҳлари.

IV боб. Чаҳор ёрлар, умавийлар ва аббосийлар халифалари ҳақида.

V боб. 1) тоифа. Саффорийлар, 2) Самонийлар сулоласи. 3) Ол Бўя ҳукмронлиги. 4) Ғазнавийлар. 5) Салжуқийлар. 6) Хоразм шоҳлар салтанати. 7) Чингиз ва чингизийлар хонадони. 8) Темурийлар. 9) Шайбонийлар. 10) Аштирхонийлар. 11) Манғития салтанати. 12) Мингия тоифаси.

Манғития салтанати даврига оид қисмининг боблари:

- Манқит хонадонининг давлати ва насаби;
- Раҳимхоннинг Ўратепа томон лашкар тортгани зикри;
- [Раҳимхоннинг Ҳисор вилояти устига юриб, Муҳаммадамин бийни асир олгани ва уни қатлга етказгани зикри]
- Шоҳмуродбий валинаъмининг Худоёрбий валинаъми билан Қароболиғ мавзеида урушгани зикри;
- Шоҳмуродбий валинаъмининг Худоёрбий валинаъми билан Қароболиғ мавзеида урушгани зикри;
- Бобо парвоначининг акаси Худоёрбий валинаъмининг амирлик ўрнига ўтириши;
- Шоҳмуродбий валинаъмининг Хўжанд вилояти томон йўналгани зикри;
- Амир Ҳайдар подшоҳнинг Ҳисор вилоятига йўналгани зикри;
- Мир Ҳайдар подшоҳнинг Шахрисабз вилоятига лашкар тортгани;
- Амир Ҳайдарнинг Ўратепа томонга лашкар тортгани;
- Элтузархоннинг Бухоройи шариф томонга лашкар тортгани ва унинг дарё наҳанги оғзига кетгани зикри;
- Мир Ҳайдар подшоҳнинг Ўратепа томонга лашкар тортиб боргани;
- Амир Ҳайдар подшоҳнинг Пешоғар қалъаси сари қўшин тортгани зикри;
- Амир Ҳайдар подшоҳ давлати тугашининг бошланиши зикри;
- Умархоннинг ҳеч сабабсиз Кармина томондан Бухоро сари қочгани зикри;

44; Шу муаллиф. Изучение среднеазиатских источников XVI-XIX веков: значение, состояние, проблемы // Общественные науки в Узбекистане. 1989. – № 2. – С. 49-53. ва б.

⁴⁴⁵ Ўз ФА ШИ даги нусхалар тавсифи: СВР (История). – С. 195-198. Қолган нусхалари тавсифи: Хуршут Э. «Мунтахаб ут-таворих» и его списки // ОНУ, 1987. №5. – С. 41-47.

⁴⁴⁶ Унинг нусхаси Ўз ФА ШИ да сақланади № 594. СВР (История). – С. 197-198. Қисқартирилган нашри: Ҳакимхон. Хотиралар. – Тошкент: Фан, 1964; Муҳаммад Ҳаким хан. Мунтахаб ут-таворих (пер. с персидского Э.Хуршута) // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. – Ташкент: Фан.1988. – С. 276-295; Извлечения из «Мунтахаб ут-таворих» (узбекская редакция М. Кутлугова) // Там же. – С. 295-310.

⁴⁴⁷ Хуршут Э. «Мунтахаб ут-таворих» и его списки. – С. 42-43.

⁴⁴⁸ Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахаб ут-таворих (Ба чоп ҳозиркуанда, муаллифи муқаддима ва таълиқот А. Мухторов). Жилдҳои 1 ва 2. – Душанбе, 1983,1985.

⁴⁴⁹ Қаранг: Muhammad Khakim – khan. Muntakhab al-tawarikh. Selected history. Vol.II. Y. Kawahara, K. Haneda (tls). – Tokio,2006.

- Амир Умархоннинг Бухоро ҳукуматидан туширилгани зикри;
- Дониёл девонбегининг Чироқчини қўлга киритгани зикри;
- Амир Насруллоҳнинг Чироқчи устига лашкар тортгани зикри
- Муҳаммадраҳим девонбеги давлатининг инқироzi бошланиши зикри;
- Кажрафтор фалакнинг Муҳаммадраҳим девонбеги бошига ўйинлар солгани;
- Амир Насруллоҳнинг Жиззах вилояти томонга қўшин тортгани зикри;
- Оғам амирлик паноҳи Муҳаммадраҳим девонбегининг шаҳидлик топгани зикри;
- Амир Насруллоҳнинг Шаҳрисабзга лашкар тортгани зикри;
- Амир Насруллоҳнинг Самарқанд вилоятида касал бўлгани зикри;
- Амир Насруллоҳнинг катта қўшин билан Шаҳрисабзга юриш қилгани зикри;
- Амир Насруллоҳнинг Шаҳрисабзга лашкар тортгани зикри;
- Амир Насруллоҳнинг қўшин билан ўз қаромағидаги Балх вилоятига бориб қайтгани зикри;
- Дўст Муҳаммадхон баракзайнинг ҳукумат тепасидан тушгани зикри;
- Амир Дўст Муҳаммадхоннинг Бухородан Шаҳрисабз томонга қочгани зикри;
- Амир Дўст Муҳаммадхоннинг Шаҳрисабз вилоятидан Кобул томонга кетгани зикри;
- Шоҳзода Акбархон ва Султон Аҳмадхонларнинг Бухородан Шаҳрисабз сари ва у ердан эса Кобулга кетганлари зикри;
- Муҳаммадалихоннинг амир Насруллоҳ билан адоватлашгани зикри;
- Султон Маҳмудхоннинг Урметан қалъасида амирлик қилгани зикри;
- Дониёл оталиқ вафотининг зикри ва Хўжақули парвоначининг ҳукумат тепасига чиққани баёни;
- Амир Насруллоҳнинг биринчи марта Хўқанд тарафга лашкар тортгани зикри;
- Султон Маҳмудхоннинг Хўжанд вилоятидаги амирлиги зикри;
- Амир Насруллоҳнинг Хўқанд томонга иккинчи марта қўшин тортгани ва ул ўлкани забт этгач, Муҳаммадалихон мода ва Султон Маҳмудхон ва Муҳаммадаминхон ҳамда барча бошқа яқинларини ўлдиргани зикри;
- Султон Маҳмудхоннинг Тошканд шаҳридан салтанат пойтахти Хўқандга боргани ва у жаҳон кўрмаган хоннинг шаҳидлик топгани зикри;
- Шералихоннинг тахт даъвоси билан чиқиши ва унинг бутун Фарғона мамлакатларини эгаллагани;
- Амир Насруллоҳнинг учинчи бор Хўқанд тарафга қўшин тортгани ва у ердан мақсадга етмасдан қайтгани зикри;
- Хўжақули парвоначининг Шаҳрисабз вилоятини улуғ тангри сийлови билан эгаллагани зикри;
- Амир Насруллоҳнинг Хоразм мамлакати сари қўшин тортгани ва у ердан мурод-мақсадига етмай неча бир қийинчиликда қайтгани зикри;
- Охирги қисм 12-чи тоифа даври, яъни минг сулоласи тарихи қуйидаги асосий мавзуларни ўз ичига олган:
 - Қўқон давлатининг биринчи хонлари Раҳимхон давридан бошлаб;
 - Раҳимхоннинг Самарқанд ва Миёнкол томонига лашкар тортиши ва ул вилоятни фатҳ қилганининг зикри (377-378);
 - Эронда бий даври (378-386);
 - Норбўтабий даври ва унинг Чуст ва Хўжандга лашкар тортгани зикрида (386-991);
 - Худоёр валинеъматининг Ўратепа вилоятини мусаххар қилгани зикрида (391-393);
 - Норбўтабийни Тўра қўрғонга қўшин тортиб, уни мусаххар қилгани ҳақида;
 - Андижон вилоятининг Норбўтахон тарафидан тасхир бўлиши (394-395);
 - Норбўтабийни Шоҳмуродбий билан сулҳ тузганини зикри (396 бетдан бошланади);
 - Олимхон (401-445) даври;
 - Олимхоннинг Бойбўта устига қўшин тортиб, Зумрадшоҳ қалъасини (Исфарада) фатҳ қилгани зикрида (402-403);
 - Хонхўжа саодатпаноҳнинг Тошкент мулкига лашкар торгани ва унинг Юнусхўжа қўлидан шаҳид бўлгани (403-405 ҳақида);
 - Амир Олимхоннинг Тўрақўрғон ва Чуст мамлакатларини фатҳ қилгани зикрида;
 - Амир Олимхоннинг иккинчи марта Чустга Бузрукхўжа устига лашкар тортгани (406-407) баёнида;

- Юнус хўжанинг Қўқон тарафига лашкар тортгани ва шу ўлкадан қочиб кетиши, унинг Амир Олимхон билан жанг қилиши ва мағлуб бўлиши (407-410) баёнида;
 - Амир Олимхоннинг Ўратепа мамлакатини фатҳ қилгани (410-414) баёнида;
 - Шаҳзода Умархоннинг Тошкент тарафига лашкар тортгани (415-417) баёнида;
 - Олимхоннинг 12 марта Ўратпеага лашкар тортгани (419-425) баёнида;
 - Амир Олимхонга бир девонанинг пичоқ ургани (425-428) баёнида;
 - Амир Олимхоннинг сабабсиз Тошкентга лашкар тортгани ва лашкар амирлари Умархон билан тил бириктириб, макру ҳийла ишлатиб амирга оғир жароҳат етказиб шаҳидат даражасига етказгани зикрида (432-445);
 - Шохрух ибн Олимхоннинг Умархон буйруғи билан ўлдирилиб, Тошкентда шаҳид бўлиши (445-446) баёнида;
 - Умархоннинг тахтга ўтириши (446-448) баёнида;
 - Умархоннинг Жиззах устига лашкар тортиши (448 ҳижрий 1816 й.) баёнида;
 - Умархоннинг Туркистонни фатҳ қилгани зикрида (450-452);
 - Амир Умархоннинг Самарқандга лашкар тортгани (458 ва қолгани) баёнида (452-453].
- «Умархон амир ал-мўъминин номини олиб, ўз номига хутба ўқиттириб, васиқа ургани. Шохлик тожини кийиб, салтанат тахтига ўтиргани ва Чингизхоннинг амалини ўз умароларига номзод қилгани (458].
- Амир Умархоннинг Ўратепага лашкар тортгани (416);
 - Амир Умархонни Саййид Ғозийхон қизига уйлангани зикрида (489-494);
 - Саёдатпаноҳий Жаҳонгирхўжа ва Ҳаққулибекнинг Қошғар вилоятига қочганлари зикрида (494);
 - Амир Умархонни ўғли Абдуллоҳхонни Тошкентда тўй қилиши (497-509) баёнида;
 - Амир Умархоннинг Саййидлар авлодидан бўлмиш қизга уйланиши ва бу иш номуборак бўлиб чиқишининг зикрида (512-517);
 - Миёнколотда хитой-қипчоқларининг кўзғолони (521-526);
 - Амир Умархоннинг вафоти ва Муҳаммадалихоннинг тахтга чиқиши (546-552);
 - Ҳакимхоннинг бошидан кечирган ҳодисалари зикрида (553-568);
 - Саёдатпаноҳий Жаҳонгирхўжа аҳволоти ҳамда Қошғар вилоятида унинг салтанати зикрида (568-577);
 - Жаҳонгирхўжани Қошғар вилоятидаги Хитой умаролари тадбири билан маъзул бўлиб қўлга тушиб, шаҳид бўлгани зикрида (577-580);
 - Муҳаммадалихонни Амир Ҳайдар билан ярашгани (580-582);
 - Фақирнинг Макки муаззама ва Мадинаи мунавварада ҳаж учун эҳром кийиши ва шу йўлда дунё ажойиботларини кўрганлигининг зикри (582-584);
 - Фақирнинг Губернатор, яъни Русия вазири аъзами билан суҳбат қилгани (584- 593);
 - Фақирнинг Русия подшоҳи билан мулоқот қилганининг зикрида (599-605);
 - Фақирнинг қанча азоб ва машаққат билан Аштархон вилоятига келгани (605-609) баёнида;
 - Фақирнинг вазир қўлига гирифбор бўлганлиги (611-619) баёнида;
 - Фақирнинг Шўр дарёдан ўтиши баёнида (621-623);
 - Ҳаж сафари ва қайтиш тафсилотлари (623) баёнида;
 - Ҳакимхоннинг Бухорога келиши баёнида (692-696);
 - Муҳаммадалихоннинг Ўратепа устига лашкар тортиб, уни мусаххар қилгани (696-700);
 - Хўқанд умароларининг Қошғарга қўшин тортганлари (700) баёнида;
 - Муҳаммадалихон томонидан шаҳзода Султон Маҳмудхоннинг Шаҳрисабз тарафига сургун этилиши ва Муҳаммадалихон ноҳўя ишларининг баёни (701-705);
 - Хўқанд умароларининг Қаротегинга лашкар тортиб, уни фатҳ қилганлари (705-710) баёнида;
 - Муҳаммадалихоннинг Хонпошшага уйланиши (710-713) баёнида;
 - Султон Маҳмудхоннинг Ҳазрати Эшон амри билан амир Насруллоҳга хат ёзиши зикрида (713-714);
 - Муҳаммадалихоннинг Жиззах ва Пешоғар устига лашкар тортгани (714-718);
 - Қўқон умароларининг Муҳаммадалихонга қарши кўтарган исёнлари ва Амир Насруллоҳнинг Қўқонга лашкар тортиб, уни босиб олиши зикрида (718-732);
 - Эзид таоло лутфи билан Шералихон томонидан Хўқонди латиф салтанати, балки ҳамма Фарғона мамоликининг фатҳ қилгани зикрида (732-742);

«Мунтахабут-таворих» нусхаларидан Санкт-Петербург нусхасида (С 470) яна илова ҳам бор. Бу илова ҳам Муҳаммадҳакимхон қаламига мансуб бўлиб, унда Шералихон даври (1842-1845 й.) ҳамда Худоёрхоннинг тахтга чиқиши баён этилгани (689-707].

«Мунтахабут-таворих»нинг **манбалари** жуд ҳам кўпдир. Асар умумжаҳон тарихига бағишлангани боис тарихни олам ва одам яратилишидан бошлаб, XIX асрнинг ўрталаригача муаллиф баён қилган. Шунинг учун тақдим этилаётган манбаларининг бошланғич қисми кўп тарихий ва адабий асарлар асосида ёзилган. Бу ерда Муҳаммадҳакимхон жаҳон тарихига оид ва олимларга маълум асарлардан фойдаланиши мумкин эди. Асарнинг қолган қисми учта мавзуга, яъни Бухоро манғитлари тарихи, Қўқонда ҳукм сурган минглар сулоласи ҳамда муаллифининг саёҳатлари баёнидан иборат.

Асарнинг мана шу охириги уч мавзуга бағишланган бўлимлари жуда оригинал ва катта аҳамиятга эга қисмидир. Э.Хуршутнинг аниқлашича, Муҳаммадҳакимхон ўз асарининг манғитлар қисмини ёзишда Муҳаммадвафо Карминагий ва Олимбек ибн Ниёзқулибек қаламларига мансуб «Тухфат ал-хоний», Муҳаммадшариф ибн Муҳаммаднақийнинг «Тождут-таворих» ва бошқа муаллифларнинг асарларидан фойдаланган. Бундан ташқари муаллиф ўша давр воқеаларнинг иштирокчиларидан кўпгина маълумотларни қўлга киритиб, улардан унумли фойдаланган.

Минглар ҳукмронлиги, яъни Қўқон хонлиги тарихига оид маълумотлар ўта муҳим ва бирламчи манба сифатида биз учун қимматлидир. Шу учун ҳам мазкур манба Қўқон тарихнавислик мактабида ўзининг оригиналлиги билан ажралиб туради.

Асар муаллифининг саёҳатлари тафсилоти ва эсдаликлари, шубҳасиз, жуда ҳам қимматли. Асарнинг бу қисмлари бадиий бир асар, саргузаштларга бой бир роман сифатида ҳам китобхонни қизиқтириб қўяди. Манбанинг бу қисмида ўша даврдаги кўпгина тарихий шахслар, волий ва ҳукмдорлар муаллифга маълумот берган ёки ўзлари воқеаларнинг иштирокчиси сифатида қатнашадилар. Улар орасида афғонистонлик Дўст Муҳаммадхон ва унинг ўғиллари Акбархон, Султонхон каби машҳур кишилар ҳамда Султон Маҳмудхон ва турли амалдор, мансабдор шахслар тилга олинади. «Мунтахабут-таворих»да муаллиф ўзи ва бошқа тарихий шахсларнинг ёзишма-мактублари мазмунини (Дўстмуҳаммадхоннинг Ҳиндистон генерал-губернатори В. Макнотеннинг котиби Лотга мактуби; Султон Маҳмудхоннинг амир Насруллоҳга хати; амир Насруллоҳнинг Қўқон хони Муҳаммадалихонга хати ва б.) келтирган.

Бундан ташқари муаллиф шарқ шоир ва адибларидан Ибн Сино, Фирдавсий, Умар Хаём, Саъдий, Низомий, Алишер Навоий, Бедил, Хусрав Дехлавий, Иноятуллоҳ Канбу, Аҳмад ибн Юсуф, қўқонлик шоирлар Фазлий, Акмал Шер Хўқандий, Нусрат, Бехжат, Амирий (амир Умархон) шеърятларидан намуналар келтиради. Асарда баъзи воқеалар иштирокчилари ва гувоҳларининг шеърлари берилган.

Асарнинг бадиий безаклари сифатида форс-тожик, ўзбек, араб халқларининг мақол ва масалларидан кенг фойдаланилган. Э. Хуршутнинг аниқлашича муаллиф ҳатто битта хитой халқи мақолини ҳам келтирган⁴⁵⁰.

Ҳакимхон таниқли саййидлар ва хонлар авлодига мансуб оилада 1217/1802-03 таваллуд топган. У она томонидан Қўқон ҳокими Норбўтабийга (1770-1798) неvara ва унинг вориси Олимхонга (1798-1810) жиян эди. У ёшлигида Қўқоннинг бўлғуси ҳокими Муҳаммадалихон (1822-1842) билан бирга тарбияланади. Ҳакимхоннинг бобоси Ҳакимтўра ўша даврнинг таниқли шахсларидан ҳисобланар эди. Унга энг обрўли одамлар, ҳатто давлат бошлиқлари ҳам маслаҳат ва ёрдам сўраб мурожаат этишарди. Ҳакимтўранинг аралашуви билан бир неча жанжаллар, айниқса Ўратепа билан Бухоро амирлиги ўртасидаги қонли низоларнинг олди олинган эди.

Ҳакимхоннинг отаси Маъсумхон тўра Олимхоннинг синглиси Офтоб оймига уйланган. Олимхон уни Исфарага ҳоким этиб тайинлаганда, бу лавозимдан ўз ихтиёри билан воз кечган эди. Маъсумхон ўта юмшоқ кўнгилли бўлиб, унинг илтимоси билан бир неча минг кишилар ўлим жазосидан қутулиб қолган эдилар. Ҳакимхон яшаётган оила Қўқон хонлигида алоҳида мавқега эга бўлиб, ўз замонасига нисбатан прогрессив роль ўйнаган.

Лекин бу оиланинг тинчлиги, орттирган мавқеи узоққа бормади. 1822 йилда Муҳаммадалихоннинг ҳокимият тепасига келиши билан ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди. Ҳакимхонлар оиласи ҳам бошқа кўплаб кишилар каби янги ҳокимнинг ғазабига учради. Бу даврларда Қўқон хонлиги энг кучли давлатлардан бирига айланган эди. Унинг қўшнилари ҳам бу хонлик билан ҳисоблашмасдан иложлари йўқ эди. Қўқон хонлигига 1709 йилдан бошлаб асос солинган. Бу пайтда бу хонлик Бухоро амирлигидан мустақил равишда шаклланиб, Норбўтабий ҳукмронлиги йилларида

⁴⁵⁰ Хуршут Э. «Мунтахаб ут-таворих» и его источники // ОНУ, 1987. №11-12. – С. 41.

Фарғона водийси ва Хўжанд (ҳозир Тожикистондаги Суғд вилояти) ҳудудларини ўз ичига олар эди. Олимхон ҳукмронлиги йилларида бу хонлик чегаралари янада кенгайиб, Тошкент ва Чимкент шаҳарларини ҳам ўз мавқеи остида сақларди. Умархон хонлиги даврида эса Туркистон шаҳри, Еттисувдан то Или водийсигача Қўқон хонлиги ихтиёрига ўтди.

Муҳаммадалихон ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлигига қозоқ ва қирғизлар яшайдиган катта территориялар ҳам бўйсундирилган эди. Унинг давлат чегаралари жанубдан Жиззахгача, ғарбдан Туркистон шаҳри атрофларигача, шимолдан қирғизларнинг бутун территорияси бўйлаб, Балхаш кўли ва Или дарёсидан то Шарқдаги Қошғаргача чўзилган эди.

Муҳаммадалининг давлат тепасига келиши кучли тазйиқ ва қувғинлар билан ажралиб турарди. У кўпгина кишилар, биринчи навбатда Маъсумхон ва Ҳакимхоннинг ҳам ўз юртидан чиқиб кетишига сабаб бўлган эди. У ҳокимиятни эгаллаган дастлабки кунданок турли ичи қора шахслар Маъсумхон ва унинг ўғли Ҳакимхонни ёмонлаб, тўхмат тошларини ёғдирдилар. Бу зиёли кишиларни хонга қарши қўйиб, уларни бадарға этилишига эришдилар. Муҳаммадҳакимхон бундай иғволарга учган Муҳаммадалихоннинг қарори ҳақида шундай ёзади: «Саййид додхоҳ ва Самандарбийни жаноб қиблагох отам ҳузурига юбориб, уларга «Амир Олимхон ва амир Умархон замонида эшон ҳазратлари бир неча бор байтуллоҳ томон отланмоқчи бўлгандилар, алар эса ҳажга кетиш учун рухсат бермагандилар. Ҳозирги айёмда, жаноб саййидлик паноҳи ҳақида дўсту душман бизга ҳар хил гапларни айтмоқда, биз эсак улар сўзини бир пулга олмай, ҳурматимиз исботи сифатида шуни муносиб кўрдикки, лутф айлаб Маккайи муаззама сари ташриф буюрсалар» деган сўзларини етказишни буюрибди». Маълумки, бу оддий тузоқ бўлиб, ўзига ёқмаган кишилардан қутулишнинг осон йўли эди, чунки бундай узоқ ва машаққатли сафардан кўпчилик тирик қайтмас эди. Лекин тирик қолганлар ҳам ўз юртига қайтишга ботина олмай, бирон кулай шароит туғилганда қайтиш умиди-да бошқа юртларда сарсон-саргардон кезишга мажбур бўлардилар.

Буни яхши тушунган Маъсумхон хон билан суҳбатлашиш учун унинг саройига келади. Лекин уни хоннинг олдида киритмайдилар. Хоннинг яқинлари тезроқ йўлга тушишини айтиб, шошилтирадилар. Уни шундай тезлик билан Қўқондан чиқариб юборадиларки, натижада у на ўғли, на яқин қариндошлари билан хайрлаша олади.

Қувғин қилинган Маъсумхон Тошкентга етиб келиб, шу ерда ўз ҳамроҳлари билан учрашади ва узоқ йўлга тайёргарлик кўра бошлайди. У Тошкентдан Ясси шаҳрига, ҳозирги Туркистонга етиб келади. Бу ерда у Хивага кетаётган карвонга қўшилиб олади.

Хоразм хони Муҳаммадраҳимхон (1806-1825) уни кутиб олиш учун ўғли ва яқин кишиларини хўжанинг истиқболига жўнатади. Улар Маъсумхонни зўр ҳурмат билан кутиб оладилар.

Орадан уч йилга яқин вақт ўтгач, Муҳаммадраҳимхон вафот этади. Маъсумхон унинг ўғли Оллоҳқулихон (1825-1842)дан рухсат олиб, Эроннинг шарқий-шимолидаги Машҳад шаҳри томон йўл олади. Ҳакимхон ўз асарида отасининг бошпана излаб ўн йилдан кўпроқ кезиб юрган юртларининг қисқача таърифини келтириб ўтади.

Аниқланишича, Машҳадда қисқа вақт бўлган Маъсумхон, ҳеч қандай сабаб бўлмаган ҳолда Бухоро амири Ҳайдар (1800-1826) ҳузурига келиб қолади. Амир Ҳайдар вафот этгач, Маъсумхон Бухоро амирлигининг марказида жойлашган, ўзига мустақил Шаҳрисабз томон йўл олади. Чунки Шаҳрисабзда унинг қонуний мероси ҳисобланган жой бўлиб, бу ерда Дониёл оталиқ ҳукмрон эди. Дониёл оталиқ уни зўр ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олади.

У Шаҳрисабздан ўша пайтда мустақил ҳисобланган Ўратепага унинг ҳокими Муҳаммадраҳим девонбегининг илтимоси билан келади. Амир Насруллоҳ (1826-1860) даврида яна Бухорога қайтади.

Маъсумхон 1833 йилда Амир Насруллоҳ рухсати билан яна саёҳатга отланади. Бухорони тарк этган Маъсумхон Шаҳрисабздаги ўз мероси ҳисобланмиш жойларга умид билан кириб боради. Бироқ Дониёл оталиқ унга унчалик илтифот кўрсатмайди ва жуда оз улуш ажратади. Шаҳрисабздан Макка томон отланган Маъсумхон йўлда Ҳисорга кириб, у ерда моддий ёрдам олади. У Афғонистоннинг Ҳазрати имом деган жойига етиб келгандан сўнг шу ерда оғир касалликка чалиниб ётиб қолади ва бир ҳафтадан сўнг 1834 йилда вафот этади.

Шундай қилиб, машҳур рус тарихчи олими В. Наливкиннинг таърифлашича, «ўз даврининг ёрқин фикр эгаси бўлган, ўша машъум тузумда гуманистлиги билан ажралиб турувчи», юксак билимга эгаси, юқори табақага мансуб бўлишидан қатъи назар, ўз умрини қувғинлик ва дарбадарликда ўтказган Маъсумхон ҳаёти ана шундай фожиали яқунланади⁴⁵¹.

Хонликдан Маъсумхонни чиқариб юборган Муҳаммадалихон энди Ҳакимхонни таъқиб ва тазйиқ остига олишга тушади. Аввал унга қимматли совға-саломлар тортиқ қилади. Сўнг уни

⁴⁵¹ Иқтибос: Хуршут Э. Ҳакимхоннинг ҳаёти ва саёҳатлари. – Тошкент:Фан, 1987. – Б. 8. асаридан олинди.

Тўрақўрғон, Наманган ва Косон каби шаҳарларга ҳоким этиб тайинлайди. Бундай илтифотлар билан у Ҳақимхонни давлат марказидан узоқлаштириб, чеккароқ жойга юборишни кўзда тутган эди.

Ҳақимхон Қўқонни тарк этиб, Сирдарё орқали Тўрақўрғонга етиб келади ва ўз вазифасини бажаришга киришади. Бу ўлкада Ҳақимхон бирмунча тартиб ўрнатади. Элниг осойишта-тинчликда яшаши учун қўлидан келганча ҳаракат қилади. Лекин оддий халқнинг Ҳақимхонга бўлган ҳурмати Муҳаммадалихонга ёқмайди – унинг қонли панжалари Ҳақимхон томон чўзилади.

Қўқон хони Ҳақимхонни ўз вазифасидан озод қилиб, унинг ўрнига Эрназар девонбегини тайинлайди. Эрназар девонбегини Сирдарё орқали Тўрақўрғонга етиб келиб йигирма киши қуршовида шаҳар чеккасида тўхтади ва Ҳақимхонга икки кишидан иборат элчи юбориб, бўлган воқеа – хон қарорини унга маълум қилади. Бу пайтга келиб Ҳақимхоннинг қўл остида яхши қуролланган тўрт мингдан ортиқ навқари бор эди. Бу совуқ хабарни эшитган Ҳақимхонга содиқ амирлар Муҳаммадалихонга қарши курашишни маслаҳат берадилар. Бунинг учун улар дастлаб Эрназарни асир олиши, сўнгра барча кемаларни ўз қирғоқлари томон ҳайдаб келишлари керак эди. Шундай қилинса Муҳаммадалихонни совуқда сув кечиб, улар томон етиб келиши амри маҳол эди. Ҳақимхон тарафини олаётган амирлар эса шаҳарлардан бирида истиқомат қилаётган Олимхоннинг Отолиқхон номи билан танилган ўғли Иброҳимхонни тахтга ўтқозишга ҳаракат қилмоқда эдилар. Ҳақимхон ўз амирларининг фикрини диққат билан тинглагач, уларга қараб шундай дейди: «мен ҳеч кимга ёмонлик қилмадим ва худо хоҳласа ёмонлик қилмайман ҳам, ўз йўлимда тўғриман. Ким эгри бўлса, унинг жазосини вожиби таоло бергусидир. Бир ўзимнинг ҳаётим учун бутун оламни азоб ва қийинчиликка ташлашни ўзимга муносиб иш деб билмайман ва бу ёмон отни ҳам ўзимга ҳеч раво кўрмайман».

Шундан сўнг у ўз ҳузурига Эрназар девонбегини келтиришни буюрди ва унга Тўрақўрғон, Наманган ва Косонга ҳокимликларини топширади, сўнг қирқ нафар навқари билан Қўқон томон йўл олади. Улар Сирдарён кечиб, Қўқонга етгунларича вақт ярим кечадан ошади.

Бу воқеадан хабар топган Муҳаммадалихон ва унинг амирлари Ҳақимхоннинг бу олижаноблигидан таажжубга тушадилар ва тўрт минг навқари бўла туриб, ҳеч бир қаршиликсиз ҳокимликдан воз кечганига шубҳа қилишади. Муҳаммадалихон қирқта навқарини хўжазодани кутиб олиш учун юборади ва уларни Навбахор номли мулкига элтиб қўйишларини топширади.

Эрта тонгдан бошлаб Ҳақимхоннинг бу мулки атрофини икки юз навқар ўраб олади. Бу ҳол, яъни уй қамоғи тўрт ойча давом этади. Ҳақимхон ҳаётининг бундай машаққатли пайтида ҳар доим бўлганидек, дўст-душманлар ҳам синовдан ўтади. Ёнидаги айрим кишилар ундан воз кечадилар.

Қирқта навқаридан тўрт кишигина қолади. Ўзгалари турли томонга тарқаб кетадилар ва ўз юмушлари билан шуғуллана бошлайдилар.

Ҳақимхоннинг афсус билан ёзишича, бу оғир кунларда унинг марҳаматидан баҳраманд бўлганларнинг баъзилари ундан хабар олиб турдилар, эзгулик нима эканлигини билмаган баъзи кўрнамаклар эса ундан юз ўгириб, бирор марта ҳам ҳол-аҳвол сўрамадилар, уни тақдир ҳукмига ҳавола қилдилар. Ҳақимхон асир олинган куннинг биринчи кечаси жуда даҳшатли ўтади. Вақт ярим кечадан ошгач, унинг хонасига ранги ўчган хизматкори кириб келиб: «бир неча вақтдан бери ўнта қонхўр жаллод ўткир қиличлари билан кўшк олдига яқинлашиб, Сизни ўлдирмоқ ишини бир-бирига юклаганча эшик олдида туришибди. Аммо, улардан ҳеч бири журъат қилиб, олдинга бир қадам ҳам отмаяпти» деб қолади.

Буни эшитган Ҳақимхон ҳаётдан бутунлай умидини узади. Ўрнидан туриб ювиниб, тоат-ибодат қилиб, ўлимни кутиб ўтиради. Шу орада яна хизматкори кириб келиб: «уйга кирмоқчи бўлиб турган бояги ўн нафар киши ёнига Муҳаммадалихоннинг бир нечта маҳрами шошилганча келиб, уларни қайтариб олиб кетишди» дейди.

Шундай қилиб, охири нима билан тугаши номаълум бўлган дақиқалар, кунлар ана шундай хавотирли ўта бошлайди. Чунки Муҳаммадалихон ўз қарорини ҳар онда ўзгартириши мумкин эди. Ҳақимхон яшаётган жой доимо навқарлар қуршовида бўлиб, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати бир дақиқа бўлсин назоратсиз қолмасди.

Қаттиқ ҳаяжон ва изтироблар Ҳақимхон соғлиғига салбий таъсир кўрсата бошлади. У бир куни ўз хизматкорини бозорга дори-дармон учун юборса, у соддалигидан бўлса керак, ични бўшаштирадиган ҳаб доридан икки юзчасини олиб келади.

Бир куни анча соғайиб қолган Ҳақимхон ҳовлига ювиниш учун чиқса, унинг қоровуллари ухлаб ётишган, катта қозонда эса шўрва қайнаётган экан. Шунда Ҳақимхон ўша ич сурадиган дориларни қозонга ташлаб, ҳеч нарса бўлмагандек ўз жойига келиб ўтирибди. «Алқисса, ул гумроҳлар ғафлат уйқусидан уйғониб, ўта бир иштаҳа билан шўрвани паққос туширишди. Бироз вақт ўтгач эса ҳар бири қорнини чангаллаб, иштонини қўлтиқлаганча чаҳорбоғ бурчагига югур-югур қила бошлади. Қаср эшиги олдида каминадан бошқа бирон киши қолмади. Бу аблаҳларнинг табиатида

дору икки томондан шу даража амал қилган эдики, сўзлашга ҳам, ҳаракат қилишга ҳам кучлари етмасди. Ҳар қайсиниси бир бурчакка думалаб, не азобу машаққатда онгини билмай думалаб ётишарди. Натижада, бир нечтаси хатарли касалга дучор бўлишди, бир нечтаси эса шу заҳотиёк оламдан ўтишди. Мен эсам томоша қилганча ўзимни ҳеч нарсани билмайдиган киши каби тутиб ўтирардим. Ниҳоят, бу хабар эртаси куни Муҳаммадалихон модагача етиб борди. Ул аблах иккита маҳрамини юбориб, мендан бу воқеанинг келиб чиқиш сабабини суриштирди. Мен эсам уларга қараб «хон фақирни уларга топширган, уларни менга эмас, шунинг учун нега мен улардан хабардор бўлиб туришим керак экан?» дея кўрс жавоб бердим. Маҳрамлар мендан бу жавобни эшитгач, Муҳаммадалихон мода олдиға бориб, мазкур жавобимни етказишди. Ул аблах бирон нарса демабди. Эртаси куни ул касал бўлган малъунлар ўрнига бошқа итлар келишди. Бу аблахлар бўлиб ўтган воқеани ўзича тушуниб, бошқа нарсаға йўйишган ва улар ўзидан кўрқиб⁴⁵², фақирга яхши муомалада бўлишди.

Ўша воқеадан уч кун ўтиб, тунлардан бирида тонг отишига яқин қолган маҳал неча бир ғам-ғуссада эҳтиёж юзини улуғ зот даргоҳи сари қаратиб ўтирарканман, тўсатдан чорбоғ ташқарисида одамлар овозининг кўпайганини эшитдим. Шунда қилич яланғочлаган бир гуруҳ одам жуда тезлик билан келиб, мен ўтирган девонхона эшиклари оғзида туришди. Фақир бу ҳолни кўриб, жонимдан бутунлай умид уздим. Муҳаммадалихон моданинг жуда бир яқин надими бўлиб, ногаҳон, бу келганлар орасида ўшаға ҳам кўзим тушиб қолди. Унинг ҳам кўзи менга тушгач, югуриб олдимға келди ва жуда одобу эҳтиром ила «Муҳаммадалихон фақирни ўз номидан Сиз жанобнинг кўнглингизни тинчитиш учун юбордилар» деркан сўзининг тасдиғи учун анча қасамлар ичди. Сўнг «Сиз жанобларига ҳам ҳаж сари рухсат бердилар» дея кўшиб кўйди. Бу охириги сўзларини эшитгач, кўнглимға бироз ишонч деган нарса йўл топгандай бўлди. Посбонликда турган шайтон сифатлар Муҳаммадалихон моданинг энг яқин надимидан бундай ҳаракатларни кўргач, барчаси бирдек каминаға ҳурмат кўрсатишға киришдилар».

Отлар келтирилиб, йўлга тушишади. Шаҳардан четға чиққан Ҳакимхон Тангрикул шиғовул, Азимбой додхоҳ ва ўзи каби қувғин қилинган Фозилбек билан учрашади: «Амирлар икки юз нафар жангчи билан бизни кузатиб кетишаркан. Бошларимизни эгиб, эзилиб-сиқилганча уларнинг олдиға тушиб, бегона юрт сари юзландик».

Дарёдан кечиб ўтиб Шоҳидон деган жойға етиб келганларида уларнинг олдиға икки хизматкори билан Муҳаммадюсуф етиб келади. У Муҳаммадалихон Ҳакимхонни Туркистон шаҳригача кузатиб кўйишни унга топширганини айтади. Эртаси куни улар бу ердан чиқиб, бир неча манзилгоҳлардан ўтиб Тошкентға кириб боришади. Бу вақтда Тошкент ҳам Кўқон хонлиги таркибига кирар эди. Тошкент ҳокими Лашкар кўшбеги Ҳакимхонни саёҳат учун керакли нарсалар билан таъминлайди. Улар энди Арис томон йўл оладилар. Йўлда Ҳакимхон Муҳаммадюсуфнинг ҳам хонликдан қувғин қилинганини эшитади.

Туркистонға етиб келгач, Ҳакимхонни Фозилбек ва Муҳаммадюсуфдан ажратадилар. Уларни, Хоразм томон йўл оладилар, дея алдаб, сўнгра иккаласининг ҳам бошини танидан жудо қиладилар.

Ҳакимхон карвон билан узоқ йўлга отланади. Кўқонлик юз нафар кишидан иборат ҳарбий даста уни Чу (ҳозир Қозоғистонда) шаҳригача кузатиб кўяди ва шу ердан Тошкентға қайтиб кетади.

Кўриқчилар таъкибидан қутулган Ҳакимхон энди ўзини бир оз эркинроқ ҳис эта бошлайди. Таласға етиб келгач, шу ерда бир неча кун дам олишға қарор қиладди.

Кейинги йўл – Бадбахт чўлидан ўтиш эди. Бу Ҳакимхон босиб ўтган йўлларнинг энг машаққатлиси ҳисобланарди. «Ҳақиқатдан ҳам исми жисмиға монанд бадбахт бир ер бўлиб, ҳеч бир биёбонда йўқ муғилон тиканларига тўла эди»,— деб ёзади Ҳакимхон. У ўз асарида бу чўл ва ундан ўтишнинг машаққатлари ҳақида муфассал баён қилган.

Йўловчилар бу жазирама чўлдан умр бўйи ҳам чиқиб кетолмасликларини ўйлаб келишаётганда бирдан кўм-кўк ўтлоқли, муздек сувли булоқлари жўш уриб турган ажойиб жойдан чиқиб қолишади. Чўл даҳшатини, сувсизлик офатини кўрган йўловчилар учун бу бурчак ер юзининг жаннатидек туюлади.

Бу ерда улар уч кунча бўлиб, куч-қувват тўплашгач, яна йўлга тушадилар ва узоқ юргач Россия тасарруфидаги ўлкалардан бири Шамай шаҳриға келиб қоладилар.

Ҳакимхоннинг Россия тасарруфидаги ўлкаларға саёҳати илк бор Шамай шаҳридан бошланди. Ҳакимхоннинг ёзишича, Шамайдан Омсккача тўрт кунлик йўл эди. Бу ерда гап Семипалатинск ҳақида бормоқда. Семипалатинск қалъаси 1718 йилда полковник Ступин томонидан қурилган эди.

⁴⁵² Улар буни эшонзода Ҳакимхон тўранинг кароматига йўйишган, аммо, муаллиф бу кабиларни бидъат деб билгани учун гапни очик айтгиси келмаяпти.

Бироқ бу қалъа дарё қирғоғида жойлашганидан тез-тез сув тошқинига дучор бўлар, шунинг учун борган сари Иртиш бўйидан нарироққа кўчирилиб турар эди. 1745 йилдан бошлаб Семипалатинск қалъаси Сибирь губерниясига қарашли бўлади. 1782 йилдан бошлаб эса қалъа уезд шаҳарчаси даражасига кўтарилади. 1797 йилдан Тобольск губернияси, кейинроқ, 1804 йилдан бошлаб эса қалъа Томск губернияси ихтиёрига берилади. Қалъада божхона ва айирбошлаш билан боғлиқ саройлар Иртиш дарёсининг икки томонида жойлашган эди. Бу ерда ўртаосиёлик савдогарлар ва қирғизлар билан савдо-сотик олиб борилар эди. 1822 йилда Семипалатинск шаҳар даражасида янги ташкил этилган Омск губерниясига киритилади⁴⁵³.

Ўртаосиёликларни бу шаҳарнинг ажойиб тузилиши, кенг йўллари, унда ўрнатилган тартиб ҳайратга соларди. «Шамай шаҳри жуда гўзал ва латиф бир жой бўлиб, бу ерга Чин томондан азим бир дарё оқиб келиб, шу шаҳар олдидан оқиб ўтади. Халқ ундан кемаларда кечиб ўтишади. Бу дарёнинг охири Хазар денгизига бориб қуяди. Шаҳардаги уйларнинг бариси ёғочдан қурилган. Уйлар сафоли ва эшикларга катта-катта ойна-шишалар ўрнатиб, умумий кўча томонга қаратиб деразалар очишган. Шаҳар тарҳи саккизга-саккиз шаклида бино қилинган. Катта кўча йўлининг ҳеч ерида эгри-бугри жой йўқ. Агар кимдир шу қоидани бузиб уй қурса, подшоҳ томондан одам келади-да, у ерни буздириб, уй эгасини жазолайди. Бинобарин, бирон киши Ўрусия мамлақатидаги юзта шаҳарни кезиб чиқса ҳам бирон ерда бузилган уй, эгри кўчани кўриши амир маҳол. Шамай турли ўлкалардан кўплаб савдогарлар келиб йиғиладиган тижорат шаҳри бўлиб, савдо расталарига бой ва арзончилик туфайли фаровон ерз»,— деб ёзади Ҳакимхон.

Ўз юртидан қувилган Ҳакимхон чет ўлканинг турмуш ва урф-одатига жуда қизиқиб қарайди. Ҳамма нарсани кўриш ва билишга бўлган қизиқиш уни ҳатто черковга ҳам етаклайди.

«Алқисса, савмаа эшигига етишдим ва катта дайр ичига кириб, жуда кенг ва баланд ҳамда ўта дид билан безатилган салобатли саройни кўрдим. Унинг деворларида ҳаддан зиёд кўп сонли тилло гардишли расмлар осилиб турарди. Айниқса, ҳазрати Исо алайҳиссалом ва ҳазрати Марям ва тўртта муқарриб фаришталарнинг суратини чунонам олтин ва жавоҳир билан худди ўзларига ўхшатиб чизган эдиларки, гўё бу тасвирлар одам назарида тилга кириб, гапириб тургандай тасаввур ҳосил қиларди. Талайгина роҳиблар эгнига ҳар хил қимматбаҳо либослар кийиб, овоз чиқарганча бир нималарни ўқишмоқда эди. Вилоят амирларининг хотин ва қизлари бир томонда саф тортишганди. Амирлар ва саркардаларнинг ўзлари эса яна бир томонда саф чекиб туришарди. Юзга яқин ўн икки яшарлик болакайлар ўз тилида баланд ва ёқимли товуш билан бир хил мақомда худди тошлар сувдек эриб кетадиган даражада Инжил ўқишарди. Гоҳ-гоҳ улар бошини саждага кўяр, кўллари билан аллқандай ишоралар ҳам қилишарди».

Муаллиф черков тузилиши ва турли миллатларнинг худога сиғинишининг турлича йўлларини кўрсатар экан, асло бирор мамлакатнинг динини мақтаб, иккинчисини камситмоқчи эмас, аксинча, ўша пайтларда ҳукм сурган хилма-хил диний урф-одатларни санаб ўтмоқчи, холос.

Ҳакимхон гарчи «Уларнинг расмича, ислом аҳли бутхонага киритилмайди» деб ёзса-да, ўзи черков кўринишининг тўла тасвирини беришга муваффақ бўлган. Уз зийраклиги билан бошқа ўлка халқларининг ҳаётини чуқур ўрганиб, уларни тушунишга ҳаракат қилган.

Шамай Россиянинг Ўрта Осиё билан савдо-сотик ишларида муҳим ўрин тутган шаҳар эди. Бу ерга турли мамлакатлардан савдогарлар келишарди. Шамай Фарғона ва Ўрта Осиёнинг кўпгина шаҳарларидаги савдогарларни ўзига жалб қиларди, уларнинг кўплари бу ерда оила қуришиб, баъзилари умрбод шу ерда яшаб қолардилар.

Сайёҳ Шамайда етти кунча бўлади, бу вақт ичида Фарбий Сибирь генерал-губернатори билан ҳам бир неча бор учрашади. У ўз асарида унинг исми-шарифини тўла келтирмай «рус подшосининг вазири» деб атайди. Ҳакимхон тилга олган бу «вазир» номи Э. Хуршут аниқлашича, П. М. Капцевич бўлиб, у 1822 йилда бу ўлкага генерал-губернатор этиб тайинланади.

Губернатор Ҳакимхонга ўзининг извоши ва яқин одамларини юборади:

«Эртасига кутилмаганда ул йигит ёнидаги заррин либослар кийган тўртта ой юзли, анбар сочли ғуломлар ҳамроҳлигида ҳаммаёғи бутун оламни ёритиб турган тилло тангалар билан безатилган ва саккизта тоғ сағрили бир хил рангдаги тулпор отлар кўшилган аравага ўтирганча неча бир дабдаба билан келиб қолди «,— деб ёзади Ҳакимхон бу ҳақда ва саройга етиб келганидан кейинги манзарани куйидагча тасвирлайди: «Губернатор бошини ялонғочлаб, битта ўзи айвон зинасидан тушди ва каминанинг қўлидан олди. Ўзи билан бирга каминани ҳам ўша зиналар бўйлаб айвонга олиб чиқаркан, жуда меҳрибонлик билан ҳол-аҳволимни сўради ва «Сиз жаноблари ҳам қасримиз тепасига чиқиб, қўшинимизга таълим бериш жараёнимизни томоша қилсангиз» дея кўшиб қўйди. Фақир икки

⁴⁵³ Хуршут Э. Ҳакимхоннинг ҳаёти ва саёхатлари. – Б. 14.

хизматкорим ва губернатурнинг бир махрами билан қаср тепасига чиқиб, майдонни кўздан кечиришга тушдим. Бу томошани кўриш учун йиғилган халқ менинг губернатор билан бу қадар яқин танишилигимни кўриб, барчаси ҳайрат бармоғини тишлашди».

Муаллифнинг кейинги сафари йўлидаги навбатдаги шаҳар – Омск эди. Ҳақимхон таърифича, бу вилоят жуда бепоён ва қулай шароитга эга экан. Бу ерда ўртача эллик мингдан ортиқ уй-хонадонлар бўлиб, уларда асосан руслар яшарди. Бир-иккита ўртаосиёликлар савдо ишлари бўйича бу ерга келиб қолган.

Ҳақимхоннинг Россия тасарруфидаги ерларга келганлиги ҳақидаги хабар рус подшосига Ғарбий Сибирь губернатори орқали ҳам етган эди.

Буни эшитган Александр I Ҳақимхонни Петербургга олиб келишни буюрган ва бу ҳақда губернатор Ҳақимхонга: - Подшоҳимиздан бизга хат келди. Унда, агар Ҳақимхон бизни ва бу томон вилоятларини кўришни истаса, жуда иззат-икром билан бу тарафга юбор, деб ёзилган. Агар маъқул кўрсангиз, подшоҳ Сиз ҳаққингизда кўп меҳрибонликлар адо этиш учун тайёрдирлар, – дейди. Аммо сайёҳнинг режасида бундай учрашув кўзда тутилмагани, аниқроғи афтидан бундай учрашувнинг нима мақсадда амалга ошиши режаланаётгани масаласини яхши англаган Ҳақимхон ўзини билмаганга солиб, рад жавобини беради.

Шундан сўнг губернатор бошқача қатъийроқ йўл тутди – у Ҳақимхонга паспортини беришдан воз кечиб, уни Омскка жўнатади. Ҳақимхон паспортини олиш учун кўп овора бўлади. У генерал-губернаторнинг Александр I га Сибирь бўйлаб сафарида ҳамроҳлик қилиб юрганидан фойдаланиб, унинг хотини ҳузурида бўлиб, ўзининг етук ақли ва муомала маҳоратини ишга солиб, паспортини олишга ҳаракат қилади. Ҳақимхон генерал-губернаторнинг хотини билан бир учрашувини куйидагича тасвирлайди: «Етиб боргач, бир неча эшиклардан ўтиб, малика ўтирган жойга кириб бордим. У ўтирган хона жуда улкан бўлиб, ҳаммаёғига тилла суви югуртилган, шифтлари фарангий ойналар билан қопланган, бир нечта кофурий ва мум шамлар воситасида ёритилган хонадан оламга нур таралар эди. Ой юзли канизлар маликанинг икки томони бўйлаб саф тортган ва ул гулрухлар бошлиғи ўзининг бир нечта надими қуршовида хона ўртасида заррин курси устида ўтирганча қипқизил май ичмоқда эди. Бир нечта мутриблар соз чалиб, урус тилида нималарнидир хиргойи қилишарди. Маликанинг кўзи менга тушгач, оловга тушган исириқ каби сакраб ўрнидан туриб, истикболимга келди. Кўлимдан ушлаб, яна ўзи ёнидан жой берди ва кўп мушфиқона сўзлар айтди. Сўнг май ичишни таклиф қилди...

...Мажлисимиз эса барибир қизигандан-қизиб, ҳар тўғрида сўзлашиб ўтирдик. Ҳар қалай маликанинг дилини шод қилдим. Чунки, бундай ҳаракатлардан умидим қандай қилиб бўлса ҳам рухсатнома хатини қўлга киритиш эди. Бу даврга келиб урус тилида гаплашиш бўйича ҳам анча маҳоратим ортган ва бу ҳам кўп фойда бермоқда эди. Малика менга қараб «Ҳақимхон, тўғрисини айт, сенингча неча яшар аёллар яхши» деди. Мен «агар нафси бир-икки бор шаҳват лаззатини татиган ёш аёл бўлса, улар билан яқинлашув заифлик ва сустлик келтиради...

Ўн ёшдан то йигирма ёшгача қизлар хавфсизлик макони ва умид маҳали турурлар. Йигирмадан ўттизгача толиблар дилининг ороми ва роғиблар жонига лаззатдирлар. Ўттиздан то қирққача мол ва фарзанд эгаси, баланд ҳиммат соҳибидирлар. Қирқдан элликкача ному номус бандида, ризқу икки юзламачилик ҳузурида, элликдан олтмишгача қора бало, молу мансаб офати, хазон кўрган гулшани, ёмғирда қолган уй, тўлиб оққан чашма, экилмаган ер, ганжсиз аждаҳо, меҳнат ва ранж кони эрурлар.

Малика бу сўзларни эшитгач, чунонам кулгиси қистадики, ўзини хохлаб кулишдан зўрға сақлаб турди. Сўнг «айтганларингнинг ҳаммаси рост» деди ва булардан кўнгли кўтарилиб, тила тилаганини, дея лутф кўрсатди. Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб қолиш илинжида «фақирга паспорт, яъни, рухсатнома беринг» дедим. Малика яна нозу карашма қилди. Бироз вақт ўтгач ул санамнинг ўта мастлик даражасига етганини кўриб, мен яна олдинги сўзимга қайтиб, кўп ялиниш билан рухсатномани сўрайвердим. Бу гал ширакайф хоним рухсатномамга муҳр босиб, кўлимга тутқазди ва кетишимга ижозат берди».

Паспортини олган Ҳақимхон Омскни тезроқ тарк этишга ҳаракат қилиб, Ирбит томон йўл олади. Бу пайтга келиб у иқтисодий томондан анча қийналиб қолган эди, шунинг учун у савдо-сотик билан шуғулланишга мажбур бўлади, бундан ташқари унга бир савдогар Ирбит бозорида беш юз тилла қарз бермоқчи эди ва «шунинг учун мен хоҳласам-хоҳламасам ҳам Ирбит томон саёҳат қилишга мажбур эдим»,— деб ёзади Ҳақимхон бу ҳақда.

«Ирбит азим ва обод шаҳар бўлиб, унда ҳар иқлимдан келган тожирлар бор эди. Хусусан, Мовароуннаҳрдан келган савдогарлар кўп экан. Уларни кўриб, қувончим ичимга сиғмай кетди. Анча ахтаргач, ҳалиги кетиб қолган йўлдошларимни топдим. Олий бир қасрга тушдик. Ўша кечаси шукрлар айтганча дам олиб, йўл азобидан қутулдик. Эртаси куни сайр қилиш учун ташқарига

чикдим. Кўз олдимда ниҳоятда катта ва гўзалликда тенгсиз шаҳар турар, унда олий иморатлар қад кўтарган, шаҳар ўртасида бир бозор барпо қилинган бўлиб, жуда ораста ва икки қаторасига қурилган расталари батартиб, баланд-баланд дўконларининг ҳар бири турли-туман матолар билан лик тўлган эди».

Ирбит шаҳри Ирбит дарёси қирғоқларига жойлашганди. Бу шаҳар ўз ярмаркалари билан машҳур бўлиб, бу ярмаркалар 1 февралдан то 1 мартгача – бир ой давом этарди. Ана шу Ирбит ярмаркасида Шарқ ва Ғарб томон жўнатилаётган Европа товарлари Ўрта Осиё товарлари билан учрашарди. Бу вақтларда Ирбит Россия, Бухоро ва Хитой товарлари билан савдо қилувчи муҳим савдо пунктига айланган эди⁴⁵⁴.

Ҳакимхон ўз асарида бу ярмарканинг бутун кўринишини муфассал тасвирлайди, ҳар бир дўкон, ҳар бир товар ва уларнинг қаердан келтирилиши, савдогарларнинг қайси шаҳардан экани, ҳар бир товарнинг нархига аҳамият беради.

Унинг ёзишича, «ҳеч бир иқлимда бунга ўхшаши ва тенг келадигани йўқ. Ўрус вилоятида ҳар йили иккита жойда бир мартадан жаҳон бозор бўлади – бири Ирбитда, иккинчиси Макареда. Бу бозорларга дунёнинг етти иқлимидан савдогарлар йиғилишади. Шу сабабли бир ойгача ул бозорларда чунонам мол тўпланадикки, бунақаси ҳеч бир иқлимда бўлмаса керак. Масалан, ўша Ирбит бозорида келишган бир фаранги боланинг турли матолар сотаётганини айтай – ўйлашимча, Мовароуннаҳр бозорларидаги барча молу матоҳларни бир ерга йиғсалар ҳам унинг ўша биттагина дўқонидаги молига тенг кела олмаслиги аниқ гап... Туркистоннинг барча вилоятларидан савдогарлар олиб келадиган ёғ ва пилик иплари шу ерда ишлатилади».

Россия Урта Осиё билан савдо-сотиқ олиб боришдан манфаатдор эди, шунинг учун ўртаосиёлик савдогарларни бу ерга келишга жалб этиш мақсадида барча имкониятлар ишга солинарди, ўртаосиёлик савдогарлар ҳам бундан катта фойда кўрар эдилар. Шунинг учун Ҳакимхон билдирган фикрлар ҳақиқат бўлиб, тажрибада синалган ҳол эди, чунки ерли савдогарлар ҳам ўзларини қизиқтирган хабарларни улардан билиб олар эдилар⁴⁵⁵.

Ҳакимхон Ирбитда ўн етти кун бўлиб, таниш савдогардан беш юз тиллога мол олади ва тўрт кун йўл босиб, Троицкка, ўтмишда Оренбург губерниясига қарашли Уе дарёсининг чўл зонасида жойлашган уезд шаҳарчага етиб келади. Шаҳарга И. И. Неплюев (1693–1773) томонидан 1743 йилда асос солинган бўлиб, 1774 йилда бу қалъа Е. Пугачев томонидан босиб олиниб, уни бир кун сақлаб турилган эди⁴⁵⁶.

Сибирь савдо йўлида жойлашган Троицк гуркираб ривожланиб, 1745 йилда бу шаҳар кўчманчилар билан айирбошлаш савдосини амалга оширувчи жойга айланганди.

Нарсаларини сотиб бўлган Ҳакимхон Троицкдан Оренбург томон йўл олади, унинг тасвирича «Ўрунбур жуда бир катта ва обод, бой ва гўзал шаҳар. У анча тепалик бир ерда жойлашган бўлиб, шаҳар қуйисидан катта дарё оқиб ўтарди. Шаҳарнинг яна бир чеккасига эса ўша катта дарёга кема солиб ўтилади. Ўринбург ҳам губернатур ўтирадиган шаҳардир. Бу шаҳарда Мовароуннаҳр савдогарларидан жуда кўп киши муқим яшаб қолишган».

Ҳакимхон Оренбургда бир неча кун тўхтади. Э.Хуршут аниқлашича, бу вақтда шаҳар губернатори П. К. Эссен (1817–1830) эди. Ҳакимхон асарида уни номи билан атамайди, фақат «губернатор» деб таъкидлаб ўтади, холос. Ҳакимхоннинг шаҳарга келганини эшитган губернатор уни ўз саройига таклиф этади. Сайёҳ губернатор одамларига дастлаб «ватанидан жудо бўлган, айём шапалоғини еган, фалакнинг кўплаб азобларини чеккан, юлдузи куйган ва толеъси вайрон, неча бор укубатларга дуч келган, толеъ ёр бўлмаган бахти сабаб хору зорликда қолган, неча бир ўлимлардан омон чиқиб, саёҳат ихтиёр этганча бу диёрга етишган одамман. Шу ҳолимда менинг ҳокимлар билан ўтириб-туришга не ҳаддим сиғсин, ахир» дея жавоб беради ва губернатор билан учрашмасликка астойдил интилади. Губернатор бу таклифдан олдин ҳам ўзининг яқин кишилари орқали уни учрашишга ундаган эди. Лекин Ҳакимхон бунга ҳам рози бўлмаганди. Икки таклифининг жавобсиз қолганига ёки бошқа бирор сабабданми П. К. Эссен унинг паспортини олиб қўйишни буюради. Ҳакимхон паспортига белги қўйишга борганида бир амалдор уни олиб губернаторга топширади. Шундай қилиб истар-истамас «эртаси куни фақирингиз ноилож эзилган кўйи губернатур қасри сари юзландим»,— деб ёзади муаллиф.

Губернатор Ҳакимхонга қанчалик ҳурмат билан муомала қилмасин, охирида шундай дейди: «Сизнинг ўз вилоятингиздан чиққан кундан бошлаб бошингиздан кечган воқеалардан тўла

⁴⁵⁴ Ўша жойда. – Б.19.

⁴⁵⁵ Ўша жойда.

⁴⁵⁶ Ўша жойда.

хабардормиз. Менинг муддаоим шуким, Сиз жаноблари Петрбур шахрига бориб, подшоҳимиз билан учрашсангиз, чунки подшоҳимиз Сиз билан ана шундай мулоқотни орзикиб кутмоқдалар. Аммо, бизнинг расму қоидамизда бирор кишини зўрлик билан подшоҳ хузурига юбориш деган гап йўқ. Бизнинг қонунларимиз, одоб ва расму-русумимиз сизларники кабидир. Йўқса, то шу кунгача Сиз жанобларини аллақачон подшоҳ олдига жўнатган бўлардик» деди. Мен унинг сўзларига жавобан: - Ҳа, албатта, юртингизнинг қонунлари мақбуллигидан камина мана бир неча вақтдан бери бу ерларда бемалол яшаб юрибман. Агар вилоятингиз бизнинг Мовароуннаҳр сингари бўлганда эди, бир кун муқим туриш ҳам амир маҳол бўларди, - дея, ушбу байтни ўқидим:

Биист он жо ки озоре набошад,
Касеро бо касе коре набошад.
[Озор етмайдиган, бировнинг биров ила
Иши йўқ жойда муқим тургину, яша].

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, Ҳакимхоннинг губернатор билан учрашувга рози бўлмаслигининг сабаби ҳам унинг Петербург сафари ҳақидаги ёқимсиз суҳбатини эшитмаслик бўлса керак. Ҳакимхоннинг Оренбургга келиши ўша вақтларда Сибирь бўйлаб саёҳат қилиб юрган Александр I нинг бу шахарга ташрифи вақтига тўғри келган эди. Александр I ни кутиб олишга катта тайёргарлик кўрилади. Ҳакимхоннинг ёзишича, бу дабдабаларга ўн икки минг тилла сарфланади.

Подшонинг буйруғига мувофиқ, Ҳакимхонни ярим кечада ётоғидан турғазиб унинг хузурига олиб келадилар. Сайёҳ Александр I да яхши таассурот қолдиради. «Хона эшигидан кирганим заҳоти подшоҳнинг назари менга тушди ва дарров ўрнидан туриб, бир неча қадам мен томон олдинга босди. Ёнимга келиб, қўлимдан тутганча етаклаб бориб, ўз ёнидан жой берди. Уларнинг қоидасича бирор киши келса ўрнидан туриб кутиб оладилар, айниқса, улўғзода бўлса, яна ҳам ана шундай эҳтиром билан иззат кўрсатадилар. Подшоҳ ўрус тилида яхши тилакларни изҳор этганча сўзлашга киришди. Камина ҳам ўрисча тилда тўлақонли жавоблар бердим. Бу вақтга келиб ўрис тилини ҳам яхшигина ўрганиб олгандим, буни кўрган подшоҳ менинг тил билиш қобилиятимдан жуда хурсанд бўлди. Подшоҳ олдида тўрт вазир ўтирганди. Тўққизта хушқомат маҳрам жавахирга ғарқ бўлиб, қадларини ғоз тутганча тик туришарди. Даврада Чингизхон авлодидан бўлмиш икки нафар қозоқ хони ҳам ўтиришарди. Лекин улар зеҳнининг ёзув тахтаси билим нақшидан холи ва вужудлари хунар усулидан йироқ бўлиб, суҳбатлашув илмидан бирон нарса ўқимаганлари учун даврадаги гаплардан бошлари қотиб, гаранг ҳолда ўтирар эдилар. Шунингдек, подшоҳ билан суҳбатлари асносида айрим ноўрин ҳаракатлар ва кўпол жавоблар ҳам улардан содир бўлган экан. Подшоҳ шу сабабли уларни масхаралаб, ўз вазирларига кўз қири билан айрим имоларни қилиб ўтирарди. Қозоқ хонлари эса нос чекиш каби ўз ишлари билан овора эдилар. Мажлисида нима гаплар бўлиб ўтаётганидан беҳабар ўтирардилар. Бу ҳолни кузатиб, уларнинг суҳбатидан подшоҳнинг нечукдир кўнгли қолганини сездим. Подшоҳ менга боқиб, нега булар сўзга тушунмайдилар, деди. Фақир дарҳол ушбу байтни ўқидим:

Аз фазлу хунар агар бипурси,
Сарпанжа гирифтан аст ва ён бош.
[Илму хунардан сўрасанг, ишлари
Елка қашламоқу ёнбош олмоқ].

Подшоҳ, бу форсча байтни ўрисчага таржима қилинг, биз ҳам билиб қўяйлик, деди. Фақир дарҳол ўрисчага таржима қилдим. Бу байт маъносини тушунтирганим ҳамон подшоҳни шундай кулги кўтардики, хохолаб кулишдан ўзини зўрға тутди. Бироздан сўнг қозоқ хонларига кетишлари учун рухсат берди. Мен билан подшоҳ ўртамиздаги суҳбат жуда ҳам қизиқ, авжига минганидан ўша кечаси бошқа ҳеч кимасани хузурига таклиф қилмади. Мен билан ҳар тўғрида сўзлашди. Айниқса, Мовароуннаҳр аҳволи борасида кўп сўраб-суриштирди».

«Саҳарга яқингина каминага кетиш учун ижозат берди. Яна ўша маҳрамлар мени ётоғимга олиб келиб қўйиб, ўзлари қаср сари қайтиб кетишди. Эртаси куни подшоҳ шахарни сайру томоша қилиш мақсадида неча бир дабдаба билан ташқари чиқди. Шаҳарни сайр этгач, карвонсарой, лашкаргоҳ, суратхона ва Афлотун сифат табиблар беморларни даволайдиган касалхоналар ҳамда ҳаромзода болалар уйини бориб кўрди. Ҳаромзода болалар уйи деганимиз, бу ерда бир расм бўлиб, унга кўра қаерда ҳаромзода бола туғилса, онаси кечаси келтириб, ўша тарбия уйининг белгили жойига тукқан боласини қўйиб кетади, уй мутасаддиси ҳаромзода болани олиб, тарбиялаш учун расмийлаштиради. Ўрусиянинг ҳар бир шахрида ноқонуний туғилган болаларни асраб, парваришлаш учун бир неча жойда ана шундай уйлар қурилган. Уларнинг кийим-кечаги ва овқати ҳам подшоҳ таъминоти ҳисобидан берилади. Бундай болаларни ўқитиш учун ўқитувчилар тайин қилинган. Ҳар

бир шаҳарда бир неча минг ноқонуний туғилган болалар ана шу тарзда тарбияланиб, улар вояга етиб улғайгач, билимига қараб подшоҳлик ишлари билан машғул бўладилар. Уларни «подшоҳ фарзандлари» деб аташади. Хуллас, подшоҳ сайру томошадан бўшагач, шаҳар қамоқхонаси сари йўналди. Шаҳар халқи йиғилиб, қамоқхона дарвозаси олдини оломон босганди. Иттифоқан, фақир ҳам ўша томошачилар орасида томоша билан машғул бўлиб, подшоҳ қамоқхона эшиги олдида келиб, аравасидан тушди. Қамоқхонага кирмоқчи бўлиб турганида, ногоҳон, кўзи менга тушиб қолди. Дарҳол олдида чорлаб, қўлимдан ушлаганча қамоқхона томон йўналди. Томоша учун келган одамлар бу воқеани кўриб, подшоҳ бунчалар марҳамат ва илтифотлар кўрсатаётган бу киши ким бўлди тагин, дея ўй денгизига ғарқ бўлдилар. Байт:

Мажнун ба кўху дашту биёбон ғариб нест,
Ҳар жо ки рафт хайма заду боргоҳ сохт.
[Мажнун тоғу даштда ёлғиз, бегона эмас,
Қайга борса чодир тикиб, сарой курди].

Подшоҳ ва унинг тўрт вазири ҳамда ўн нафар маҳрам ҳаммамиз биргалашиб, бир неча эшиклардан ўтгач, қамоқхона ичига кирдик. Қарасам, катта бир сарой ва хоналари ҳам кенг ва темир панжаралардан ясалган. Хоналарнинг катта кўпчилиги темирдан. Дев келбатли ва шайтон сифатли посбонлар бу хоналарни кўриқлаб туришарди. Ҳавоси ёмонлигидан бу жой олдида дўзах оташи ҳеч гап эмасди. Бундай жойни кўриб, ҳушим бошимдан учди ва вужудимни изтироб эгаллади. Танимга титроқ тушиб, шамолдаги тол каби қалтирай бошладим ва кўркүвдан юзимдан челак-челак тер оқа бошлади. Оғир жиноят қилган маҳбусларни гуруҳ-гуруҳ қилиб жойлаштиришган ва бу қийноқ хоналарида уларни турли-туман азобларга дучор қилишарди. Гапнинг қисқаси шуки, подшоҳ хоналарнинг барчасига бир-бир бош суқиб кўриб чиққач, менга юзланиб, Сизнинг вилоятда ҳам шунақа маҳбуслар борми, деб сўради. Фақир эсам, йўқ, бўлмайди ҳам, дея жавоб бердим. Бироздан сўнг ташқари чиқдик. Подшоҳ ўз аравасига ўтирди. Менинг эса губернатур аравасига ўтиришимни имо қилиб билдирди. Биргалашиб қасрга кетдик. Подшоҳ манзилига етгач, зиёфат ўтиришини ташкил қилди. Ўйинчи-ю, кўз бойлағичлар бу ўтиришда рақс ва кўз бойлаш санъатларини намойиш қилишди. Уларнинг ўйинлари ҳеч ақлга сиғмасди. Қора магияси ҳам, оқ магияси ҳам бунақасини тушида кўрган эмаслар. Агар буларнинг ҳар бирини китобат қайдига киритмоқчи бўлсак, сўз узоққа чўзилади. Хулласи калом, ўтириш тугагач, подшоҳ каминага юзланиб: - Муҳаммадҳақимхон, биз билан бирга пойтахт Петербур шаҳрига боришингиз керак, - деди. Фақир: Подшоҳ соҳиби ихтиёрдирлар, - дея жавоб бердим.

– Илгарироқ таклиф этганимизда нега бормадингиз? – сўради подшоҳ.

– Муҳаммадалихон моданинг қамоғида пайтим «агар шу ҳибсдан эсон-омон қутулсам, то байтуллоҳ зиёратига бормагунимча, ҳеч бир ерга бориш орзусини қилмасмен» дея аҳд қилган эдим. Шунинг учун бирор жойга бора олмайман, -дедя жавоб қайтардим.

– Сизларнинг қиблаингиз жуда узоқ ва йўллари ҳам хатарли, - деди подшоҳ. Мен эсам куйидаги байтни ўқидим:

Дар биёбон чун ба шавқи каъба хоҳи зад қадам,
Сарзанишҳо гар кунад хори муғилон ғам махўр.
[Саҳрода каъба шавқи билан қадам ташлангани учун,
Муғилон тиканларидан озор етса, ғам ема].

Сўнг, бу қасамимга содиқман, агар ҳар бир сочим толаси бошимга тиғ бўлиб санчилса ҳам бу йўлдан қайтмайман, агар ҳар бир кипригим кўзимга қилич бўлиб санчилса ҳам бошқа ишни устун қўймайман, мисраъ: Ҳар ки майли ганж дорад ранж мебойд кашид (Кимки ганжга эга бўлмоқчи эса, ранж ҳам тортиши лозим) – дедим. Подшоҳ бу сўзимни эшитгач, ихтиёрингиз, аммо, қайтишда албатта олдимизга келинг, иззат-ҳурмат билан кутиб олиб, вақтингизнинг хуш ўтишига ҳаракат қиламиз, деди. Мен «жуда яхши, жоним билан» дедим. Мисраъ: Агар умр бувад ба хизмат бирасам (Агар умр вафо қилса, ҳузурингизга етишаман].

Подшоҳ битта носдон ва ўзининг олмос узугини уч юз бижоқи олтин танга билан бирга инъом қилди ва «Ушбу Муҳаммадҳақимхон Ўрусиянинг қайси мамлакатига борса иззат-ҳурмати жойига қўйилсин» деган хат берди. Бу воқеа 1240/1824-25 йили рўй берганди. Подшоҳ эртаси куни ўз давлатининг пойтахти Петербур сари қайтиб кетди».

Ҳақимхон император хатини қўлга олгач, Оренбургдан Астрахань тамонга йўл олади. Кўп қийинчиликларни бошдан кечириб 16 куни кемада бу шаҳарга етиб келади. Йўлда орттирган касаллик сабабли у бу шаҳарда саккиз ой чамаси қолиб кетади. Бу ерда Ҳақимхон ҳаждан қайтаётган Мўминхон шайхулислом ва уни қувғинига сабабчи бўлган Юсуф парвоначини учратади. «Ўша айёмда бу бизга нисбатан қилинган қабих ишлар ва каминанинг ватандан бадарға қилиниши

ташаббускори бўлмиш Юсуф парвоначи ҳам эътибордан қолган ҳолда обрўсини бутунлай йўқотганча олдимга келди ва уятсизларча йиғи-сиғи аралаш тавба-тазарруъ қилгандек бўлиб, ҳол-аҳвлимни суриштирди. Мен эсам ҳеч нарсани юзига солмадим, ахир демишлар, мисраъ: Мардий набувад фитодаро пой задан (Йиқилганни тепмоқ марднинг иши эмас]. Парвоначи олдимдан чиқиб, байтуллоҳ сари юзланди».

Ҳакимхон Астраханда Малик Қосим номли бир черкас йигити билан танишиб қолади., Ҳакимхон бу ҳақда: «Ўша пайтларда, юриши доимо эгрилик бўлган фалакнинг гардиши билан Черкас вилояти хонзодаларидан бири бўлмиш Малик Қосим исмли хушсурат ва сарвқомат бир шохзода Ўрус урушида қўлга тушиб, бу шаҳарга сургун қилинган экан. Иттифоқо, мен билан бу шохзода ўртасида ошнолик пайдо бўлди. Бир-биримиз билан қалин дўст тутиндик. Бора-бора бу ғарибликда бирор соат ҳам ажралмайдиган бўлиб қолдик»,– деб ёзади.

Губернатор билан танишлигидан фойдаланган Ҳакимхон Малик Қосимга паспорт олиб беради. Малик Қосим бу шаҳардан қочиб, ўз юртига қайтиб кетишга муяссар бўлади.

Баҳор кириши билан Ҳакимхоннинг саломатлиги яхшиланиб, яна сафарга отланади. Энди унинг режаси Эрон мамлакати эди. Лекин у Мозандарондан нарига ўтолмайди. Чунки ўша кезлари Эрон билан Россия ўртасидаги уруш давом этарди. Ҳакимхон орқага қайтишга мажбур бўлади.

Ҳакимхон Кубань қирғоқлари бўйлаб юриб тўхтаган бир шаҳарни шундай тасвирлайди: «Ўшанда, иттифоқан, қирғоқ бўйлаб юраётиб, йўлимиз фаранг шаҳарларидан бири саналмиш Душинкаска, яъни ўрусчасига «маъшуқобод» орқали тушиб қолди. Жуда гўзал ва обод шаҳар экан. Иморатларининг барчаси тошдан қурилган. Усталар тошларни жуда теп-текис, силлиқ ва соф қилиб йўнишган бўлиб, бир-бири устига терилган бўлса-да, улар ўта шаффофлиги туфайли одамда худди яхлит бир тошдан тарашлангандек тасаввур туғдирарди. Шаҳарнинг баланд бир қалъаси ҳам бўлиб, зангори осмону фалак билан тиллашарди. Халқининг ҳаммаси фаранги савдогарларидан иборат эди. Улар бу мавзени ниҳоятда яхши бир жой эканлигидан ўзларининг яшаш маскани сифатида танлашган. Дўкон, ҳаммом ва карвонсаройларни кишининг ақли етмай, лол бўлиб қоладиган даражада чиройли қилиб қуришган ва ажойиб безаклар беришган «.

Ҳакимхон шаҳарда уч кун дам олгач, одат бўйича паспортга белги қўйдириш учун шаҳар амалдорлари хузурига боради. У ерда сайёҳни совуққонлик билан кутиб олишади. «Бу ким ўзи? Қандай одам? Қаердан?» деган саволлар кўнглидан ўтган майда амалдорга Ҳакимхон императорнинг хатини кўрсатади. «Амалдорнинг кўзи хатга тушгач, ўтга тушган исирик каби сапчиб ўрнидан турди ва ўта одоб билан келиб, қўлимни ўпди. Узрлар сўраб, ўз ўрнига ўтказди ва «таърифингизни бундан олдин эшитган эдим, аммо, Рум томонга қайси тарафдан ўтишингизни билмасдим. Бу вилоят ҳокими ҳисобланмиш вазир жанобини албатта кўришингиз лозим» деди. Фақир эса «кўпам бошимни оғритмай, хатимга қўл қўй» дедим. Кўп илтимос қилиб, ўтинди, аммо, гапини тингламадим. Ноилож хатимга қўл қўйди ва фақирни то маҳкамахона ташқарисигача кузатиб қолди» деб ёзганди бу ҳақда Ҳакимхон.

Бу чиновник Ҳакимхонни губернатор билан учрашишга ундайди. Лекин сайёҳ бу таклифни қатъиян рад этади. Бироқ ўзи тўхтаган карвонсаройга етиб келиши биланоқ, икки ёш йигит уни губернатор кутаётганини, агар бормаса, унинг ўзи бу ерга келишини маълум қилади. Ҳакимхон истар-истамас губернатор хузурига жўнайди. У губернатор билан Оренбургда Александр I хузурида бўлганида танишган эди. «Дарров эсимга тушди – бу ўша куни подшоҳ ёнида турган тўрт вазирдан биттаси. Биз у билан суҳбатлашган ҳам эдик. Ёнидаги киши эса шу вилоят ҳокимлигига тайинланган амалдор бўлиб, у ҳам ўта тавозеъ билан қўлимдан ушлаганча, ҳол-аҳвол сўрашди ва хурсандчилик изҳор қилди».

Туркиядаги сиёсий вазият ҳақида бу шаҳарга етиб келган хабар сабабли Ҳакимхон шаҳарда мўлжалидан ортиқроқ туриб қолишга мажбур бўлади, чунки у ўз саёҳати давомида Туркия марказидан ўтиши лозим эди. У губернатор билан хайрлашмоқчи бўлиб борганида у: «ҳозиргина хабар олдик, Рум султони кўшинидаги ҳарбийлар ёппасига исён кўтаришибди. Бунинг сабабини била олмадик. Шу жихатдан ҳозир барча йўллар беркилган эмиш. Бир неча кун сабр қилишингизга тўғри келади. Йўллар очилсин. Сўнгина у тарафларга юзлансангиз ёмон бўлмайди» дейди.

Шаҳар губернатори Ҳакимхонни ўз саройида туришга таклиф этади ва сайёҳ бу таклифни рад эта олмай кўнишга мажбур бўлади. Бироқ саройда Ҳакимхон бошига кулфат тушади. Гап шундаки, унга губернаторнинг қизи ошиқ бўлиб қолади. Лекин бу жиловсиз муҳаббат Ҳакимхон қалбини эрита олмайди. Ўз мақсадига етолмаган қиз, аламига чидолмай Ҳакимхондан ўч олиш мақсадида, номусимга қасд қилди, деган тухмат билан отасига шикоят қилади. Натижада, Ҳакимхонни қамоққа ташлайдилар. Бунинг сайёҳ шундай тасвирлайди: «икки маҳрам олдига тушганча қоп-қоронғу тунда неча бир хорлик ва зорлик билан шаҳардан ташқари чиқиб, қамоқхонага етишдик. Бир неча эшиклар

орқали ўтиб, дўзахнинг ҳам ўтақаси ёриладиган қўрқинчли мавзегга етиб келдик. Шу ерда ҳаммаёғи темир панжаралардан ясалган бир хонага киргизишди. Жуда тор ва кафтига тўшалган майда-майда шағал тошдан бўлак ҳеч жиҳози йўқ хона эди. Маҳрамлар мени дев сифат, шайтон кўринишли посбонларга топширишди, улар эса фақирни ҳалиги хона ичига итариб юбориб, эшигини қулфлашди ва қулфи тешигига эриган қўрғошин ҳам қуйиб «ҳеч кимса бу шахс билан гаплашмасин» дея тайинлашди. Гапнинг қисқаси, мени олиб келган маҳрамлар шул дўзахда ўзимни ёлғиз қолдирганча шаҳарга қайтиб кетишди.

... Иттифоқан, ўша кезларда ўрусларнинг катта байрами етиб келган эди. Фақир уч кеча-ю, кундуз ўша хонада нималарни бошимдан кечирган бўлсам кечирдим. Албатта, ҳар кун бир киши дераза ташқарисидан туриб, бир дона қора нон ва бир коса буғдой бўтқасини келтириб, дераза тешигидан қўлини чўзиб, қўлимга берганча қайтиб кетарди. Аммо, сира сўзламасди ва мен ҳам уни кўра олмас эдим. Ўша пайтда чўнтагимда эллик тилло бижоқий пул бор эди. Биринчи куни ҳалиги нотаниш одамнинг косасига бир тилло ташлаб қайтардим. Иккинчи куни икки тилло ташладим, учинчи куни уч тилло ташладим, тўртинчи куни косасига тўрт тилло ташлаб қўйдим. Ниҳоят, ул киши секин-аста тилга кирди ва «Сиз қандай одамсиз, қаерликсиз ва не қилиб, бу балога йўлиқдингиз» деб сўради. Мен эсам: - Эй азиз, меҳрибон дўст. Нимасини сўрайсан. Кўриб турганингдек, бир яхши, лекин овора ва сарсон одамман. Ҳолимга раҳм эт, - дедим. Нотаниш киши эса: - Жуда бир нотавон одамман. Кўриб турганингдек, ушбу қамоқхонада маҳбуслар хизмати учун тайинланганман. Бу сени тикишган жойдан одам зоти қутулиб чиқа олмайди. Аммо, мана уч кундан бери сенинг инъому эҳсонингга сазовор бўлиб турибман ва қандай юмушинг бўлса, марҳамат, айтавер. Қўлимдан келса хизматимни сира дариғ тутмайман, - деди. Мен унга: - Бир хат бераман, олиб бориб бир кишига топширасан, - дедим. Нотаниш ғамхўрим: - Жоним билан, - дея жавоб қайтарди.

– Унда менга бир парча қоғоз ва қалам келтириб берсанг, – дедим мен.

– Бу иш қўлимдан келмайди. Агар хат бўлса олиб бориб бераман. Бўлмаса, бошқа ишни эплай олмайман, - деди у ва ташқарига чиқиб кетди.

Фақир эса қаттиқ ўйга толдим. Анча ўйлангач, тилло ўраган бир парча қоғозим борлиги эсимга тушди. Ўшани олдим ва бир фарангий пичоқчам бўлиб, у билан бармоғимни тилиб, қонини чиқардим. Ўша қонли пичоқча учи воситасида неча бир меҳнат билан ҳалиги қоғозга бўлиб ўтган воқеани бир неча сатр орқали биродарим шоҳзода Малик Қосим номига битдим ва унда куфр аҳлининг байрами яқин бўлиб, шу сабабли ўн кундан сўнг бир кеча кундуз турма бўш қолишини ҳам баён қилдим. Мазкур қоғознинг бир парчасига хизматкорим учун хат ёздим. Хатни тугатиб, не азобда бир байт ҳам илова қилдим. Эртасига ҳалиги кофир бечора ҳар кунги одатига кўра келди. Мен ҳам одатга кўра беш тилло ва ёзган хатимни косага ташлаб, унга узатдим. Сўнг: – Карвонсаройга бор. Фалон ҳужрада мана бу шаклдаги киши бор. Бу хатни ўша одам қўлига бер ва ўзинг тез орқангга қайт, – дедим. Ул бечора неча бир қўрқув ва ҳадик билан бу балохонадан косани ташқарига олиб чиқишга эришибди. Эртасига келиб, қуйидагиларни билдирди: – Хатни эсон-омон олиб бориб, эгасига топширдим. Одамингиз жуда хурсанд бўлди ва севинганидан у ҳам менга беш тилло бериб «бориб, менинг йўлга тушганимни айт» деди.

Фақир неча бир қийинчиликда илоҳий лутфдан умидвор бўлиб, мазкур байрамни интиқлик билан кутдим.

Алқисса, хизматкоримга хатим етишган заҳоти ҳеч тўхтовсиз Черкас томон юзланиб, дарёдан кечиб ўтибди ва жуда тез юрганча бир кеча-кундуз деганда биродарим шоҳзода Малик Қосим ҳузурига етиб борибди. Хатни ул биродарга топширибди. Биродаримнинг кўзи хатга тушгач, йиғлабди ва вақтни ўтказмай, ён-атрофга одам юбориб, бир кунда теварагига йигирма нафар қасоскор жангчини йиғибди. Уларга кўпгина нарсалар инъом қилиб, яна анча нарсаларни ваъда берибди. Сўнг фақирни қутқариш учун уларга рухсат ва фотиҳа берибди. Ул мубориз йигитлар биродарим шоҳзода Малик Қосим ҳузуридан топшириқ билан чиққач, зудлик билан дарё қирғоғига келишибди. Иккита кема топиб, ваъдалашганимиз учинчи кечаси тунни ярмидан ўтказгач, ул муборизлар елдек дарёдан сузиб ўтиб, кемаларни ўтган ерда қолдирганча қиличларини белларига ўнгу тесқари боғлашибди ва ўта эпчиллик ва чаққонлик билан қамоқхона сари юришибди. Қамоқхона дарвозасига етишгач, қаровулликда турган тўртта посбонни жаҳаннамга равона қилишибди ва калитларни олиб, қамоқхона эшикларини бир-бир очганча мен ўтирган хонага етиб келишди. Ўша вақтда фақир неча бир ғаму ғуссада ишларни осон қилувчи, бандаларини сийловчи даргоҳидан ўзимнинг қутулиб кетишимни тилаб, шу тун келишни интизорлик билан кутиб ўтирган эдим... Бирдан машъал шўъласи ул зулматхонани кундуз куни каби чароғон қилиб ёритиб юборди. Кимлардир черкасий тилда қаттиқ товуш ва баланд овоз билан бир нималар дейишар, уларнинг ўз

тилида айтаётган гапларини бирон нарсани англаб ва тушуниб бўлмасди. Яхшилаб диққат қилсам, менинг исмимни тилга олишяпти. Дарҳол кичқирганча жавоб бердим. Улар менинг қаерда ўтирганимни билиб, хона эшигини не бир қийинчилик ва азобда пўлат болталар билан бўлак-бўлак қилиб синдирганча ичкари киришди. Фақирнинг қўлини ўпиб, алланималар дейишди. Камина уларнинг бирон сўзини ҳам тушунмадим. Ниҳоят, жуда чаққонлик билан ул шайтонхонадан ташқари чиқдим. Халоскорларим турмадаги бошқа уч юз маҳбусни ҳам озод қилганча ташқарига олиб чиқишди. Қутулган маҳбусларнинг ҳар бири бир тарафга қараб қочишди. Бироздан сўнг шаҳарни қўриқловчи қаровуллар ҳамда шаҳар аҳли бу воқеадан хабар топиб, байрамларини бузганча қўлларида машъаллар билан тинимсиз айтилаётган «тут-ушла» бақириқлари остида камокхона томон югуриб кетишди. Фақир бу воқеани кўриб, муборизлар ҳамроҳлигида тез-тез юрганча келиб кемага чиқиб олдик. Ўша чоқда дарё қирғоғи қаровуллари ҳам бизнинг ишимиздан хабар топиб, устимизга ўқ ёмғирини ёғдира бошлашди. Хуллас, муборизлар билан яшиндек дарёдан кечиб ўтдик ва кутулганим шукронаси учун икки ракъат шукр намозини адо этдим. Айни чоғда дарё қирғоғининг ҳаммаёғини чунонам машъал босиб кетган эдики, гўё, юқорида айтганимдек, подшоҳ иштирокида ёритилган Ўринбург кечаси бу ерда ҳам қайта такрорланган эди. Алқисса, фақир ул ғарқоб қаъридан жонимни эсон-омон қутултирдим. Кофирлар овлари тузоқдан қутулиб чиққанини кўргач, неча бир ғаму андуҳ билан шаҳар томон қайтиб кетишди. Фақир ўша ерда бир лаҳза дам олдим. Сўнг отланиб, аста-секин юрганча уч кун деганда биродарим шоҳзода Малик Қосим қароргоҳи жойлашган ерга яқинлашдик. Ул биродар бу хабарни эшитиб, кутиб олгани олдимга чиқди. Кўзимиз бир-биримизга тушгач, йиғлашганча кучоқлашиб кўришдик. Икки соатча гапиришга ҳеч мажолим бўлмади. Сўнг суҳбатлашган кўйи биродарим ҳамроҳлигида унинг уйига келиб тушдик. Бир неча кун давомида камок азоблари ва йўл чарчоқларидан қутулиб, дам олдим. Биродарим дўстлик йўсинини керагидан ҳам ортиқ қилиб адо этди. Фақирингизга бир каниз ва бир ғулом ҳамда учта энг сара от тортиқ қилди. Бир ойдан сўнг ул жонажон дўстдан кетишга рухсат тилаб, ўзимнинг ўша Абдуллоҳ ва Иброҳим исмли хизматкорларим билан бирга Ҳанифа қалъаси сари юзландим ва дўстим билан хайрлашдим. Анча масофани босиб ўтгач, Ҳанифа шаҳрига кириб бордик».

Шундай қилиб Ҳакимхон Россия чегараларини тарк этиб, Туркия территориясига қадам қўяди. Унинг эсдаликларида бир оз узилиш бўлиб, Ҳакимхон бу ерларга қандай қилиб келиб қолганлигини ёзмайди. Афтидан, у бирор кемага ўтириб Ҳанифа қалъасига келган бўлса керакки, лекин бу ҳақда бирор аниқ фикр билдириш қийин.

Муаллифнинг ёзишича, «Ҳанифа шаҳри турклар «Қора денгиз» деб атайдиган Шўр денгиз соҳилида жойлашган бўлиб, бу ер мазкур денгизнинг энг катта бандаргоҳи ҳисобланади. Катта бир тижорат маскани ва ҳар мамлаатдан жуда кўп савдогарлар келишади. Бир неча кундан сўнг у ернинг ҳокими Абдуллоҳ подшоҳ фақир ҳақида эшитиб, ўз ҳузурига чақиртирди. Жуда яхши қабул қилиб, эъзоз-икромлар кўрсатди. Шу орада Синоб ҳокими Хўжа Ҳасан подшоҳ ҳам бу шаҳарга ташриф буюрди. Ул зот икки марта амири ҳож бўлганлар. У ҳам фақирни олдига чорлатди. Ҳузурига бордим. Қарасам, олий бир чодирда ўтирган экан. Икки томонида маҳрамлар саф тортиб туришибди. Анча кексайган киши экан. Кўзи менга тушгач, ўрнидан турди ва қўлимдан ушлаб, ўз ёнига ўтказди. Оталарча ғамхўрликлар кўрсатди ва иккаламиз жуда тез бир-биримиз билан тил топишиб, яхши улфат бўлиб олдик. Фақир ул зотдан дор ус-салтана Румга боришим учун «тазкира» хати⁴⁵⁷ ёзиб беришларини сўрадим. Ул марҳаматли қария эса: - Афандим, ҳозир Истанбулдаги вазият анча қалтис, у тарафлардан ҳалигача биронта ҳам кема келмади. Фақат Синобдан кема катнаб турибди. Султон Маҳмуд афандим, яъни, Рум султони Янги черик жамоаси ва бектошийлардан ғаблабланиб, бир кунда улардан етмиш минг кишини қатлга етказибди. Айни пайтда Румга боришдан яхшилик чиқмайди. Афандим бир неча кун сабр қилсинлар, яқин орада йўл ҳам очилиб қолар. Кейин борсалар яхши бўлажак, - деди. Аммо, менинг байтуллоҳга бориш иштиёқим жуда зўр бўлиб, шу ондаёқ Истанбул сайри баҳридан ўта қолдим...

Шу сабабли Синоб йўли учун тазкира, яъни «йўлланма» олдим ва қария билан хайрлашдим. Ул улуғ амирлик паноҳи эса дарҳол кема дарғасини чақиртирди ва фақирингизни унинг қўлига тайинлаб топширгачгина ҳузуридан чиқишимга рухсат берди».

Ҳакимхон кема билан Туркиянинг Анатолия қирғоқларида жойлашган бир шаҳарга келиб тушади.

«Бу вилоят Онадул мамлакатининг биринчи бошланиш ноҳияси саналади. У шариф Шомга бориб уланади. Ўша маҳалда камина жуда хасталанган бўлиб, ўн кун шу жаннат монанд манзилда

⁴⁵⁷ Ҳаж мавсумида давлат рухсати билан иштирок этиш рухсатномаси.

денгиз сафари азобидан қутулиб, дам олдим. Сўнг иккита елдек юрар хачирни кира қилиб, жаннатга менгзир Шом мамлакати сари юзландик».

Йўлда у Язид мазҳабига мансуб курдларни учратади ва улар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради. Язидлар жуда ҳам сирли диний мазҳабга сиғинардилар. Улар ҳар доим қувғин остига олиниб, жазоланганликларидан, яширин ҳаёт кечирардилар. Бундан ташқари язидлар қуёш ва тўрт унсур: ер, сув, ҳаво ва оловни илоҳий деб ҳисоблардилар.

Ҳакимхоннинг ҳам бу мазҳаб ҳақидаги маълумотлари оригиналлиги жиҳатидан бошқа маълум бўлган адабиётларда учрамайди.

Ҳакимхон Ангордаги Турпоқ қалъасидан ўтиб, Дамашққа у ердан Фаластиндаги Қанъон, Табария ва Ғаззо орқали ўн кеча ва кундуз Синай чўлини босиб ўтиб, Мисрга етиб келишади. Мисрда бу пайтда Муҳаммадалипошшо (1805-1849) ҳукмрон эди.

Ҳакимхон ҳам Муҳаммадалипошшо билан шахсан учрашади. «Фақир ҳам подшоҳлар билан қилинадиган муоамала одобини ўрнига қўйиб, ул зот буюклигига яраша сўзладим, қайси борада сўз борса, ўшанга муносиб жўяли жавоблар бердим. Сухбатимиз жуда қизиқ кетиб, ўтиришимиз тўрт соат давом этди. Ниҳоят «Муҳаммадҳакимхон, Сиздан илтимосим шуки, ушбу вилоятда яшаб қолсангиз, нима керак бўлса, айниқса, дунёвий неъматлардан нима лозим бўлса, ҳаммасини муҳайё қиламан. Ҳозир эса бизга йўлдош бўлиб, Искандарияга ташриф буюринг» деди.

– Айни кунларда каминангиз Қасри айнда сулс хатини ўрганиш билан машғулмен. Бир неча кундан сўнг дарсларим ниҳоясига етади. Агар рухсат берсалар шундан кейин хизматларида бўлсам, - дея жавоб бердим. Аслида бундан менинг мақсадим ҳозирча паризодхонани тарк этмаслик эди. Подшоҳ гапимга қулоқ осиб, ризолик берди ва дарҳол мусофир сифатида давлатнинг ойлик нафақасини тайин қилди ва устига уч юз адлия инъом қилиб, кетишимга рухсат берди. Фақир подшоҳдан жавоб олгач, манзилим сари қайтдим ва ишларим билан машғул бўлдим. Бир куниси Муҳаммадали подшоҳдан «вазирлик паноҳининг ўғли Мухрдор афанди қирқ нафар билимдон ғулом болани олиб, илми ҳандаса ва бошқа шу каби ғариба илмларини ўрганиш учун Фарангистонга борсин. Уларнинг ўқиши етти йил давом этиб, сўнг ватанга қайтадилар» деган мазмунда фармон келди. Улар бу буйруқни эшитгач, тайёргарлик ишлари билан машғул бўлишди. Бу савдо орзуси фақир кўнглига ҳам тушиб, Фарангистонга кетиш ҳозирлигини кўра бошладим. Вазирлик паноҳи Ҳабиб афанди ҳам фикримни маъқуллади».

Муҳаммадали подшоҳ ислохотлари орасида маданий қайта қуриш муҳим ўрин тутган. Чунки янги давлат аппарати билимли кишиларга муҳтож эди. Шунинг учун Миср тарихида биринчи дунёвий фанларни ўқитувчи мактаблар очилади. Муаллиф бундай мактабнинг тузилиши ҳақида батафсил маълумот беради, унинг жойлашган ери, синфларнинг сони, ўқувчиларни танлаш тартиби, кун тартиби, ўқитиладиган предметлар рўйхати, мактабнинг битирувчиларнинг ишга жойлашиши ҳақида фикр юритади: «Муҳаммадали подшоҳнинг одоб ва расми шунақа эканки, ҳар йили теваарак-атроф ерлардан тўп-тўп ғуломбаччаларни сотиб олиб келтирар ва шунингдек, ой юзли турк баччалар билан қора кўз араб баччаларни ғуломлар билан ширу-шакардек қориштириб, шу тенгсиз қасрда кўяр экан. Ҳар куни икки маҳал ҳар хил тотли овқатлардан ва лазиз ичимликлардан улар олдида муҳайё, либосларининг барчаси гулнор мовутдан ва амалдорлар кийган шу рангдаги мовутлар зардўзи ҳам эди. Шунини айтиб ўтиш лозимки, болалар кўзида айби бўлса ёки ёши ўндан паст, ёки йигирмадан юқори бўлса, бу «паризодхона»га киритмас эканлар. Чунки, болаларга бу ерда турли фанлардан таълим берилар, боланинг соғлиги ва ёши шунга мос бўлиши керак эди. Бу ерда ҳар соҳадаги муаллим ва хушнавис котиблар фаолият кўрсатарди. Бир гуруҳ устозлар илмларни арабча ўқитса, бошқа бир жамоа эса форсча ўргатади ва баъзилари туркийдан таълим беришади. Бир нечтаси эса фарангий тилларини ўқитадилар. Болаларнинг айримлари хушхат котибларда насх ва таълиқ хатини машқ қилишади, бир нечалари сулс хатини ёзишади. Болалар бир қатор илмларни маълум давра мобайнида ўқиб ўзлаштиргач, имтиҳон топширишади ва яхши истеъдод пайдо қилишгандан сўнг нозирлар текшируви асосида қобилият пайдо қилгани ва тарбият асар этганини ажратиб олишади. Шунақалардан ҳар ойда қанча бўлса, Муҳаммадали подшоҳ ҳузурига элтишади ва уларнинг қайси бир илмдаги истеъдодига қараб, топшириқ беришади. Масалан, баъзисини тиб илмидан малака ва маҳорати ошиши юзасидан касалхоналарга юборишади. Айримларини Фарангистонга ҳандасага ўхшаш ғариба илмларини ўрганиш учун жўнатишади. Бир бўлагини девонга ишлаш учун тайинлашади ва ҳакозо. Берилган илмларни ўзлаштирмаган ва тарбият асар қилмаган болаларни эса ажратиб олиб, жиҳодияга юборишади. Сардорлар уларни олиб кетиб, қўшинга қўшиб қўйишади. Ҳар уч ойда иш шундай. Бу томондан бир гуруҳ учирма қилинади, у томондан эса кириб келаверади».

Қоҳирада ҳам Муҳаммадҳакимхон бошидан бир қанча воқеаларни ўтказгач, Макка ва Мадинани зиёрат қилиб, Шом орқали Бағдод, у ердан Ҳамадон, Рашт ва Техронга, кейин Машҳадга

келади. Муҳаммадҳакимхон бу йўл сафарларини ҳам жуда ажойиб бир алфозда баён қилади. Унинг саёҳати турли можаро ва саргузаштларга тўла кечган.

Машҳадга етиб келгач, Ҳакимхон беморлиги сабабли бу шаҳарда бир оз тўхтади.

Йўлнинг кейинги тасвирини Ҳакимхон қисқа ва лўнда ёзиб кетади. Бир неча савдогарлар билан у Сарахсга келади. Кейинги йўл чўлдан ўтилади. Тажан дарёсидан кечиб, Маймана, Андхўй шаҳарларидан ўтиб ўттиз кундан сўнг Амударё қирғоқларига етиб келади.

Муаллифнинг ёзишича, «мазкур манзилда йўлдошларимиздан биттаси бизга билдирмай карвондан ажралиб, Бухоро сари йўл солибди. Шаҳарга кириб боргач, вазирлик паноҳи Ҳаким кўшбеги уни ҳузурига чақиртириб, Эрон вилоятидаги вазиятни сўраб билмоқчи бўлибди. Сухбат орасида ул киши менинг келаётганимни ҳам тилга олибди. Вазирлик паноҳи амир Насруллоҳ ҳузурига кириб, бу ҳақда амирга гапириб берибди ва амир ул кишини жаноб саййидлик паноҳи эшон Султонхон ҳузурига жўнатибди. Эшон жаноблари бу хабарни эшитган заҳоти ниҳоятда севиниб, барча қариндош ва хизматкорларга мени кутиб олишни буюрибдилар.

... Ўша вақтда фақир карвон аҳли билан мақсад сари юзланган эканмиз. Карвоннинг секин юриши жонимга тегиб, икки савдогар билан бирга карвондан ажралганча шаҳар сари юзландик. Бир неча масофани босиб ўтгач, бир қудуққа етдик. Бу чексиз даштда биз тўрт нафар кишидан бошқа биронта жонли зот кўринмасди. Очиғи, жуда кўрқдик ва юрагимиз ваҳимадан сиқила бошлади. Ўзимизни бу каби туйғудан алаҳситиш учун овқат пишириб емоққа тутиниб, шундан сўнг йўлга отланмоқчи бўлдик. Шунга кўра йўлдошларим таом тайёрлашга тушишди. Фақирнинг фикрига эса «умримда Бухоро шаҳрини кўрмаган бўлсам, биронта танишим ҳам йўқ бўлса, қаерга борарканман ёки тўппа-тўғри карвонсаройга туша қолсаммикин» каби ўйлар келиб турган маҳал бирдан узоқдан иккита отлик кўриниб қолди. Уларга кўзимиз тушгач, мана энди тамом, қароқчилар келишяпти деган гумонда жонимиздан умидимизни узиб, келиб-келиб шу ерга етганда ўларканмиз, деганча шунга рози бўлиб ўтирдик. Чунки, биз келишимиздан бурунроқ айни мана шу ерда қароқчилар бир нечта мусофирнинг мол-мулкини талаб, ўзларини ўлдиришган ва шу сабабли бу биз келган йўл бекилиб, бу ҳақда карвондагилардан сўрамай, карвондан ажралиб келаётган ва бу сўзларни сўнг билган эдик. Алқисса, отлиқлар яқин келишди, бизнинг эса қочадиган еримиз ҳам йўқ эди. Ноилож, тақдирга тан бериб, қароқчилар талашини кутиб ўтирган эдик, шунда улардан биттаси олдинроқ етиб келди ва ёнидаги тилло жабдуқли отни етаклаганча ўта савлат билан қудуқдан сув тортиб турган хизматкорим олдида тўхтаб, ниманидир сўради ва отдан тушди. Сўнг мен томонга юзланиб, шиддат билан югуриб келганча қўлимдан тутди ва йиғлаган кўйи қўлларимни ўпа кетди. Бироздан сўнг ҳовридан тушиб «Эшон шайхулислом жаноблари дуо демоқдалар ва қадамларингизни интизорлик билан кутиб ўтирибдилар, олдингизга эса қариндош ва хизматкорлар чиқишган» деди. Фақир бу сўзларни ул кишидан эшитгач, ҳайратга тушдим ва «эшонингиз ким» деб сўрадим. У эса «Хўқанддан кўчиб, Бухорога келган саййидлик паноҳи Султонхон бўлади. Амир Насруллоҳ Бухоро шайхулисломлиги амалини у кишига берганлар Ҳозир у кишидан обрўлироқ киши йўқ бу ерларда» деди. Бу гапларни эшитгач, йўқлик оламидан вужуд оламига яна қайта келгандек бўлдим. Шу гаплар устида турарканмиз, илгаридан менга таниш ва қадрдон бўлган хизматкорлар ҳам бирин-кетин кела бошлашди. Бироздан сўнг эшоннинг ўғли биродарим Саъдуллахон ҳам етиб келди. Бир-биримизни бағримизга босиб, тўйиб-тўйиб йиғлаганча кучоқлашиб кўришдик. Менга атаб тилло жабдуқли от ва олий сарупо олиб келишган экан. Аммо, фақирингиз кийимларга қўл ҳам текизмай, ўзимнинг қаландарлик либосимда келганлар билан кун ботган маҳал ул манзилдан отланиб, шаҳар сари юзландим. Алқисса, ўша оқшомиси жуда тез юрган кўйи тонг отмасдан бурун шаҳар яқинига келиб тушдик. Тонг оқаргач, у ердан отланиб, чоштгоҳда Бухорога кириб келдик ва жаноб эшоннинг ҳовлисига тушдик».

Шу тариқа, Ҳакимхоннинг узоқ йил давом этган сайру саёҳати, жаҳонгашталик саргузаштлари ниҳоясига етади. У Россия, Туркия, Сурия, Фаластин, Миср, Арабистон, Эрон, Афғонистон мамлакатларида бўлади. Унинг қадами етган юртлар, шаҳарлар рўйхатида Қўқон, Тошкент, Туркистон, Шамай(Семипалатинск), Омск, Ирбит, Царицин, Астрахань, Мозандарон, Кавказорти, Синоп, Қайсария, Латакия, Дамашқ, Ғазо, Қоҳира, Сувайш, Янбо, Жидда, Мака, Мадина, Қусайр, Арабистон чўли, яна Қоҳира, Ғазо, Қуддус, Ҳаврон, Наблус, Дамашқ, Бағдод, Ҳамадон, Рашт, Нишопур, Машҳад, Маймана, Андхўй, Бухоро, Самарқанд, Ўратепа, Шаҳрисабз, Китоб ва бошқа жойларни кўриш мумкин.

1828 йили Бухорога қайтгач Муҳаммадҳакимхон Султонхон Аҳрорий «Адо» ва бошқа дўстлари билан учрашади. Бухоро амири Насруллоҳ билан унинг саройида учрашиб, февраль ойининг охирларида Ўратепага келади. У ердан ярим мустақиллигини сақлаётган Шаҳрисабз

беклигига панаҳ топган Муҳаммадҳакимхон 1831-32 йиларда отаси билан ҳам учрашгани тахмин қилинади⁴⁵⁸.

Бухоро амири унинг кўнглини овлаш ва уни ўз хизматиغا ёллаш мақсадида унинг кўнглини кўтарган киши бўлиб, Ҳакимхонга турли совға-саломлар юборади. Амирнинг бу қимматли совғаларидан хижолат тортган Ҳакимхон шундай ёзади: «Лекин бу марҳаматлар фақир учун жуда кўнгилисиз воқеа эди. Мен бу бахтсизликдан қандай қутулиш йўлини билмас эдим. Истар-истамас ўзимни гоҳ яхши, гоҳ ёмон сезардим. Лекин мен шуни аниқ сезардимки, султонлар хизматида бўлмоқ бу – энг хавfli ва энг қалтис иш. Шунинг учун ҳам донолар ақлли киши уч нарсадан ўзини тийиши керак, дейдилар. Биринчи нарса – султонлар хизматидан, иккинчи нарса – захарни синаб кўришдан, учинчи нарса – хотинлар сўзига кириб, сир бой беришдан».

Бухоро амири тазйиқидан зўрға қутулган Ҳакимхон Қаршига, ундан Шаҳрисабзга ўтиб, у ердан бошпана топиб яшаётган афғон амири Дўст Муҳаммадхон билан учрашиб қолади. Маълумки, бахтсизлик кишиларни янада яқинлаштиради. Уларнинг аччиқ тақдиридаги ўхшашлик дўст бўлиб қолишларига сабаб бўлади. Ҳакимхон Дўст Муҳаммадхон Афғонистонга қайтиб, ўз тахтига ўтиргач ва инглизларга қарши озодлик кураши олиб бораётган пайтида ҳам ундан хат олиб туради.

1844 йилда амир Насрулло тазйиқидан қочиб келиб, Шаҳрисабздан панаҳ топган шоир Ҳозик, эшон Шофии ўлдирилади.

Ҳакимхоннинг вафоти йили номаълум. Бироқ, Ўзбекистон ва Тожикистонда Муҳаммадҳакимхоннинг уруғ-қариндошларидан кўпчилиги бугунги кунда ҳам яшаб турибдилар⁴⁵⁹.

IV.I. 9. Абдулғаффурбойнинг «Зафарномаи Худоёрхон»асари

Назмда битилган яна бир тарихий асар муаллифи Абдулғаффурбой бўлиб, у Худоёрхон саройининг муншийларидан саналган. Унинг «Зафарномаи Худоёрхон» асари тахминан 1853-1854 йиллари тожик тилида ёзилган ва у мадҳия тарзида яратилган расмий тарихий ёдгорликдир. Асар мўайян бир давр, яъни қирғиз-қипчоқ низолари, Мусулмонқули даври ва Худоёрхоннинг унинг таъсиридан озод бўлиши ва унинг қипчоқларга қирғин йўли билан шикаст етказишига бағишланган. Бу асарни Абдулғаффур хон томонидан моддий таъминотга етишиб, аҳволини ўнглаб олиш ниятида таълиф қилган деган фикрдамиз ёки асарни яратиш учун саройдаги амалдорлардан бирортаси, балки бевосита хоннинг ўзидан топшириқ берилган бўлиши ҳам мумкин. Бу тахминимизга асарнинг мазмуни ҳам далил бўла олади. Асарнинг умумий мазмуни қуйидаги бобларда акс топган:

- Дебоча, у тарихнавислик анъаналарига биноан тавҳид, наът, васф ҳамда ҳасби ҳол ва тавсифи салтанатдан иборат;

- «Зафарномаи Худоёрхоний» достонининг ибтидоси, бу олийшон насабнинг амири кабири оламгир Темур Кўрагондан бошлаб баён этилади;

- Нормуҳаммад, Каримқули ва Қулбобо қипчоқларнинг дарё бўйидан қочиб Тошканд боришларининг баёни;

- Мусулмонқулининг биринчи марта Тошканд устига Нормуҳаммад, Каримқули ва Қулбобо қипчоққа жазо бериш учун кўшин тортгани, Утамбий ва Мингбойнинг қочишлари ва маъюс бўлиб қайтгани; Мусулмонқулининг иккинчи марта Тошкандга, Нормуҳаммад ва Утамбий устига азм қилгани ва Утамбийнинг Нормуҳаммад ва Тошканд аскарисяси билан сирлашишлари ва қипчоқлар сафларини бузиб уларни қочирганлари ҳақида;

- Каримқули ва Қулбобонинг Тошканддан Хўқандга келишлари ва Абдуллобекни ўлдиришлари ҳақида;

- Мусулмонқулининг Чимкентдан қайтиб Тошканд устига келиши, Тошканд диловарларининг қипчоқ лашкарига қарши муқобил турганлари ва қипчоқ лашкари Чирчиқ дарёси бўйида мағлуб бўлиб чекинишлари ва Мусулмонқулининг Кетмонтепага қочиши ҳақида;

- Шаҳриёри комроннинг Тошканддан Хўқандга қайтиши ҳақида;

- Жаноби шаҳриёри комроннинг қипчоқ жамоасини қатл қилиб, йўқ қилиш учун Тошканд улуғлари билан иттифоқ тузиши ва уларнинг ўша фурсатда келганликлари ҳақида;

- Нормуҳаммад ва Утамбийни харифлари айблаганда, бегуноҳ бўлиб чиқиб, омон қолишлари ҳақида;

⁴⁵⁸ Ўша жойда. – Б. 45.

⁴⁵⁹ Муфассал қаранг: Муҳаммадҳакимхон. Мунтахаб ут-таворих. / Форс тожик тилидан таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. Кўрсаткичлар тузувчилари Д. Сангирова, Ш. Юнусов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 720 б.

- Шаҳардаги қипчоқларнинг қатлидан сўнг, жаноби шаҳриёрининг ўз давлатхоҳлари ва жонфидо қилганлари учун хизмат ва ақидаларига мувофиқ мансаб ва вилоят бергани ҳақида;
- Қолган қипчоқларнинг Билқаллама мавзеида йиғилиб Мусулмонқулига хат юборганлари ва уни шулфалокатзадалар олдига келиши ва унинг саводсиз маслаҳати билан бу нобакор тоифанинг фитна ва фасод кўтарганлари ҳақида;
- Шаҳриёри хайрихоҳ сипоҳи билан Дуобга, фитначи тоифа устига отланганининг достони;
- Жаноби шаҳриёрнинг Билқаллама мавзеига бориб, у ерда яшириниб музаффар ва мансур бўлгани ҳақида;
- Икки лашкарнинг кетма-кет бўлиши, душманнинг мағлуб бўлиб, Билқалама мавзеида яшириниб олиши ва соҳибқироннинг Билқалама атрофини мухосара қилиши ҳақида;
- Лашкар бошлиқларининг биринчи жангдан сўнг, оламнинг тўрт томонига; баъзилари Хўжанд ва Тошканд билодига (вилоятига) баъзиларининг Дарвоз ва Қошғарга жаноби шаҳриёри зоти бобаракотнинг ҳаёти катъ бўлди деб, қочиб кетганлари ва ул жаноб соғлигини билиб, хижолатдан уялиб қолишларининг воқеаси;
- Шаҳзода Сўфибек ва Султон Муроднинг биринчи тарқалишдан сўнг Наманган билодига борганлари, у ерда юз берган воқеаларнинг ва қайта келишларининг баёни;
- Лашкардан шаҳарга ваҳимали хабар келиши, шаҳар, қишлоқ ва атрофдаги аҳолининг безовта бўлиб шошилиб қолишлари, Чуст волийси Каримқулининг етмиш нафар сипоҳи билан Олмалиқ давонида қипчоқлар кўлидан ўлдирилишининг мусибатанжом хабари келиши ҳақида;
- Фарғона мулкининг бузғунчиси, яъни ўша Мусулмонқули харомзоданинг қўлга тушиши ва унинг хони соҳибқирон хизматида қипчоқларни туҳфа тариқасида олиб келиши ҳақида;
- Соҳибқироннинг шаҳар аҳолиси ва вилоят улуғлари кўнглига қараб, Мусулмонқулини Жўқандга юбориши ва уни аробада Йўлчибек додхоҳ олиб келиб, дорга олиши ҳақида;
- Худоёрхоннинг Марғилон ва Шаҳрихонга қайтиши ҳақида;
- Шаҳриёрнинг Қаровултепада кўнгани ва Иноқ додхоҳнинг унинг хизматида туриши ҳақида;
- Шаҳриёр лутфу карамига умид қилиб, муаллифнинг ўз аҳволини изҳор қилиши баёни;
- Урушдан сўнг, хон фармони билан қипчоқ асирларининг ҳар бир шаҳар, бозор ва қишлоғу диёрда қатл қилишларининг қиссаси;
- Худоёрхоннинг Халифа Олтмиш хизматида бориши ҳақида;
- Шаҳриёр фармони билан намозгоҳи ид манзилининг обод қилиниши;
- Абдулғаффорбек юзнинг мазамматидаким у итоат бошини тобеият ҳалқасидан чиқарганлиги ҳақида;
- Маллабекнинг муҳолифат ва қаршилик бошлаши ва бу қуфронкасофатидан бахту давлат ва ҳукуматдан маънос ва маҳрум бўлиб, ғариб диёрга бориб, ранжу азобга гирифтор бўлиши ва мусофират меҳнатида дуч келиб, ёру диёрдан айрилиши ҳақида;
- Жаноби шаҳриёр ҳақида Исобекнинг ношоиста ишларни раво кўриб, фосид андишаларга борганининг мазаммати ҳақида (Унинг қатл этилиши тарихи ҳам келтирилади);
- Соҳибқироннинг ул мулк ишларини саранжом этиб, Хўқандга қайтиши ҳақида;
- Кофир тарсолар хуружларининг бошланиши қиссаси ва ўша тарсо тоифасининг Дашти қипчоқ қалъасини босиб олиб, Оқ масжидни Муҳаммадвали кўлидан олишлари ва шу воқеаларнинг кайфияти ва юз берганларнинг аҳволи ҳақида;
- Шодмонхўжа мағлуб бўлгандан кейин, Қосим мингбошининг бирлашган дор ас-салтанат лашкари билан (Оқ масжид) боргани ва воқеалар кайфиятининг қанақалиги ҳақида;
- Хотима.

Бу асар маснавий шаклида ёзилган бўлиб, ҳажми 3000 мисрадан ортиқдир. Асарнинг тўрт кўлёзма нусхаси маълум бўлиб, биз тавсиф қилган нусха 1859 йили кўчирилган ва 65 варақдан иборатдир. Асардаги боблар номи қизил ранг билан матни қора сиёҳ рангда ёзилган. Бу асарни илмий муомалага киритган олим А.Қаюмов «Зафарномаи Худоёрхоний»нинг бадий ва ғоявий жиҳатларини илмий таҳлил қилган⁴⁶⁰. Асарнинг кўлёзма нусхалари СВРда ҳам тавсиф қилинган⁴⁶¹.

Асар ўзининг маддоҳона мазмунига қарамай, Кўкон тарихининг баъзи масалаларини ёритишга муҳим маълумот ва фактлар беради. Улардан энг асосийси, айтганимиздек, Худоёрхон тимсолида марказий ҳукуматнинг қипчоқ-қирғиз кучлари билан олиб борган курашларига бағишланган. Асарда яна қипчоқларнинг ўзлари икки гуруҳга бўлиниб, ўзаро олиб борган қаршиликлари ҳақида ҳам маълумот берилган. Бу гуруҳнинг бир тоифасига Мусулмонқули бош бўлса, иккинчи гуруҳ

⁴⁶⁰ Ўша жойда. – Б. 311.

⁴⁶¹ СВР. I. – С. 89-90; Яна қар.: СториЧ. А.Персидская литература. Том III. – С. 1056.

намоёндалари Нормухаммад, Қулбобо (рисолачи) ва Каримкули, Утамбийлар бош эди (7^б-9^а). Асарда Мусулмонкули ўзининг мингбошилиқ ва Отолиқ мансабидан фойдаланиб, мухолиф гуруҳ билан олиб борган уруши ҳам баён этилади. У икки марта Тошкент устига кўшин тортиб, охири натижасиз мағлуб бўлиб, Кетмонтепага қочиб боради. Худоёрхон Тошкентга келиб, Тошкент улуғлари билан бирлашиб қипчоқларга зарба беради, уларни давлат бошқарувидан олиб ташлаш учун ахду паймон қилади. Бу ишни қирғин йўли билан ҳал қилиш учун Худоёрхоннинг ўзи ташаббус кўрсатади (12^а-14^б). Кўқон шаҳрида қипчоқларнинг қирғини зу-л-ҳижжа ойининг 28 куни (милодий 1853 йили ноябрь ойининг бошларида) сешанба куни юз берган экан.

«Зафарномаи Худоёрхоний» Кўқон хонлигида жорий бўлган баъзи унвон, мансаб ва мартабаларни ёритиб бериш учун ҳам кўшимча муҳим маълумот беради. Абдулғаффор мунший маълумотларидан шундай хулосага келиш мумкинки, Кўқон хонлигида парвоначи унвони энг олий унвонлардан ҳисобланар экан. Масалан, Худоёрхон Мусулмонкули ва қипчоқлар таъсиридан озод бўлиб, ўзига садоқатларини исбот қилган мингбоши ва кўшбеги мансабида бўлганлар Қосим мингбоши, Муҳаммадниёз кўшбеги, Муҳаммадназар, Каримкули дастурхончиларга парвончаси унвонини бериб, биринчисини Тошкентга, кейингисини Хўжандга, Каримкулини Чустга волий-ҳоким этиб тайинлайди. Парвоначи Бухоро амирлигидагидек Кўқонда ҳам энг юқори унвонлардан ҳисобланган экан (15^б-16^а).

Дуоб мавзеида (Икки сув ораси) Билқалама атрофида йиғилиб қолган қипчоқлар кўшинининг сонини Абдулғаффор 6 минг нафар деб беради. Бу кўшинга қарши хон лашкари билан борган дасталар бошлиқларининг номлари «Зафарномаи Худоёрхоний»да келтирилган. Қипчоқларга қарши Худоёрхоннинг ака-укалари Маллабек, Сўфибек, (Эшон Зоҳид хўжа калон), Муҳаммадназар парвоначи, Қосим мингбоши, Муҳаммадниёз парвоначи, Ёқуббек шиғовул, Шерали понсод, Мирзо Афаёз додхоҳ (18^б), Йўлчибек додхоҳ мултоний, Тилобий ва турклар дастасининг бошлиғи Муҳаммадмусо иштирок қилган. Шу икки лашкар ўртасида бўлган биринчи жангда Худоёрхон кўшини мағлуб бўлиб, ўзи қуршовга олинади. Шарҳарликлар дасталари тор-мор этилади. Шунда хонни ҳалок бўлган деб гумон қилишади ва аввал Тошкент дастаси, кейин Хўжа Мўмин, Муҳаммадназар, Сайфиддин, хатто Сўфибек ва Султон Муродлар ҳам қочиб кетишади. Қипчоқлар бу вазиятдан фойдаланиб, Хўқанд шаҳрига хужум қилмоқчи бўладилар. Шаҳарнинг қозиси Муҳаммадназар, Иноқ додхоҳ, саркори «кул» Холикули, мушриф Мирзо Носирлар биргаликда шаҳар химоясини ташкил қилдилар, чунки хон лашкарининг мағлуб бўлгани ҳақидаги хабарни эшитиб миршаб Муҳаммадражаб ҳам қочиб кетган экан (27^б-30^а).

Абдулғаффор ўз асарида «хон инояти билан қипчоқларнинг қатл этилиши»ни баён қилади. Маҳаллий ҳокимлар Исобек (Андижонда), Муҳаммадмусо (Шаҳрихонда), Абдуқаҳҳор (Овлиқда) кўп бегуноҳ қипчоқларни ўлдирган эканлар.

1850 йилнинг яна бири тарихи воқеаси – Русия кўшини томонидан Оқ масжиднинг қамалга олиниши ва забт этилиши ҳам «Зафарномаи Худоёрхоний»да акс этган. Аммо бу воқеаларнинг тавсифи жуда саёз, юзаки ва иккиламчи маънода баён қилинган. Асар муаллифи Оқ масжид истилосининг Туркистон тарихида янги саҳифа очгани моҳиятини англаб улгурмаган.

IV.1. 10. Шавқий Намангоний асарлари

Шавқий Намангоний (Мулло Шамси Мулло Хусан ўғли Шавқий, 1804-1889) – ўзбек тарихчиси ва шоири. Наманганнинг Калвак қишлоғидандир. Шоханддаги мадрасада ўқиган. Қишлоқда мирзалиқ қилган. Бўз тўқиш орқали кун кечирган. Ибрат, Сўфизода, Нодим каби шоирлар ҳамда Россиядан келган рус олимлари билан яқин муносабатда бўлган. У ўз ғазал, мустазод, мусаддас, мувашшаҳларидан иборат девон тузган. «Бор бўлса сендак дилбари», «Паришонлар», «Бир гули раъно», «Зебо», «Ишқ сайқали» каби шеърларида муҳаббат, инсоний ҳис-туйғулар ва кечинмалар, орзу-интилишлар ифодаланган. Унинг қаламига мансуб «Жомеъ ал-ҳаводис», «Жангномаи Худоёрхон», «Тарихи Хўқанд», «Пандномаи Худоёрхон» каби тарихий дostonлари (улардан баъзилари бизгача етиб келмаган) Худоёрхон давридаги ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг ўзаро муносабатларини ўрганишда ўз аҳамиятига молик асарлар ҳисобланади.

Мулло Шамсий (Шавқий)нинг «Жангномаи Худоёрхон» асари. Назмда битилган «Жангномаи Худоёрхоний» қипчоқлар низолари ва Худоёрхоннинг улар устидан қозонган биринчи ғалабасига, уларни 1852-53 йиллари қирғин қилинганига бағишланган бўлиб, беш боб (ҳодиса)дан иборат. Мулло Шамсий бу асарида Шералихоннинг хон бўлиши, қипчоқлар хуружи, Мусулмонкули даврида ҳамда Худоёрхоннинг қипчоқлар таъсиридан чиқиши учун қилган ҳаракатларини баён

қилади. Асарнинг асосий ғояси қипчоқларга зид бир руҳда битилган бўлиб, муқаддима ва қуйидаги беш бобдан иборат:

«Аввалги ҳодиса. Шералихон ... беш ўғиллари бирла бу мулкка панжа узатиб ва бу панжа зўридан мамлакатни тасхир қилғони, андин сўнг, қипчоқ жамоалари хиёнат отига миниб ҳукуматни олғони» (5^б-9^б).

«Иккинчи ҳодиса. Мирзо (?) Хоннинг хомҳаёллик жомин ичиб ва хомтама отига миниб, Хўқанд ичра келиб, тўккуз кундан сўнг тахти салтанати тобутига мубаддал бўлгани (9^б-12^а)».

«Учинчи ҳодиса». Тарихнинг 1261 балиқ йили Худоёрхон давлат маснадида барқарор бўлғонидан сўнг, қипчоқ аҳли насими давлат доманига тушгани бирла ҳукумат лажомини илқиға олуб, афъоли қабоиҳ ва кирдори ношоиста бирла раъият аҳлига равиш тушғони» (12^а-15^б).

«Тўртинчи ҳодиса. Тарихнинг 1268, сичқон йили раҳўини суруб, мансаб талошида низолар тузуб, бир-бирисининг бошини кесиб, қон тўқишғонларнинг баёни (15^б-20^а)». «Бешинчи ҳодиса. Тарихнинг 1268, сичқон йили, қурбон ойини 27-си, сешанба куни қипчоқ қабиласи хон ҳазрати қасдларида ўрдага югуриб, улар қирилғонининг баёни (20^а-26^а)».

Бу асарнинг аҳамияти шундаки, Мулло Шавқий унда қипчоқларнинг бир неча уруққа бўлиниб кетишларини, шу уруғларнинг баъзи номларини ҳамда уруғларнинг улуғ намоёндалари ҳақида баён қилади.

Шералихон даврида ўзаро низоларга қўшилиб кетган уруғлардан у қулон уруғи, ўлмас, элатон, яшиқ, етти қашқа уруғларини тилга олади. Мусулмонқули қулон уруғидан, Хотамқули ўлмас, Утамбий элатон, Мирзод яшиқ уруғидан ва Кўрўғли етти қашқа қавмидан эканлиги баён этилган («ЖХ», 5^б-7^б)⁴⁶².

Асарда Мусулмонқули бошчилигида содир бўлган воқеалар унга қарши руҳда ўз аксини топган:

Бўлди мингбоши Мусулмонқули,
Кўп киши қўлидан бўлиб маъзул.
Ҳар амал бўлса ани олди дар,
Хон куруқ хонлик била қолдилар.
Бермайин хонга ҳеч ҳукуматни,
Балки ҳар дам қилиб хусуматни...

Асар воқеалари баёни қипчоқларга қарши амалга оширилган қирғин тасвири билан тугайди. Бу воқеа 1268 йили ашур ойи 9 ида (милодий 1853 9 октябрь) амалга оширилган экан. Шу воқеадан 12 кун ўтгач, Шавқий бу асарни ёзган:

Хўқанд ичра қатли ом айлаб,
То бугун ўн икки кун ўткан.
Ушбу кун аро эди шанбе,
Топти қипчоқ эли ажаб танбеҳ.
Ошур ойига ҳам эди тўккуз,
Эй кўнгул сўзни жойига ўтқуз.
Таърихин менга берди ул кун ёд,
«Од қавмин ҳалокин айтгин бод».

Асар ўқилиши қийин бўлган «муллои» хатида, Кўқон қоғозида ёзилган бўлиб, 27 варақдан иборат. Котиби номаълум, муқоваси таъмирланган.

Чарльз Стори Шавқийнинг яна бир асари ҳақида маълумот беради. Ҳали топилмаган «Тарихи Шавқий» асари ҳижрий 1291, милодий 1874-75 йили ёзилган бўлиб, Фарғона мулкининг руслар томонидан босиб олиниши воқеаларига бағишланган. Бу асарнинг айнан шу Ч.Стори тавсифлаган кўлёзма нусхаси Заки Валидий қўлида бўлгани ҳам бизга маълум. Заки Валидий маълумотиға караганда, асар аввал тожик тилида битилган экан⁴⁶³.

IV.I. 11. «Хулосат ал-аҳвол» асари

«Хулосат ал-аҳвол» асарининг муаллифи Абу Убайдуллоҳ Муҳаммадсултонхўжа ўғли XIX асрда Тошкентда яшаб ижод қилган муаррих ва олим бўлиб, уни мемуар ва биографик жанрида тожик тилида ёзган.

⁴⁶² Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства (феодалное хозяйство Худаяр-хана). – Ташкент: Фан, 1973. – С.10.

⁴⁶³ Валидов А. З. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. – Петроград, т. XXII. 1915. 86-109; Стори Ч.А. Персидская литература. Том. III. – С.1199.

Бу тарихий асарнинг бизга маълум бўлган ягона кўлэзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида 2084 рақам остида сақланади. Бу асарни тарихий манба сифатида тадқиқ қилган А.Ў ринбоев илк бор ўз фикрларини «Ўзбекистон Фанлар академиясининг хабарлари, ижтимоий фанлар серияси» журналинда эълон қилди⁴⁶⁴. Асарнинг қиммати ва муаллифи ҳақида баъзи қайдлар Р.Набиевнинг «Кўқон хонлигининг тарихидан» (Худоёрхоннинг феодал хўжалиги)да ҳам келтирилган⁴⁶⁵. Бу иккала олимнинг хулоса ва қайдларига таяниб, асарнинг қуйидаги тавсифи ва уларнинг тадқиқ доираларидан четда қолиб кетган баъзи томонларини таҳлил қилмоқчимиз.

«Хулосат ал-аҳвол» (Ҳаёт хулосалари) номли асарнинг муаллифи Абу Убайдуллоҳ Муҳаммад ибн Султонхўжа бўлиб, ўзини Эшонхўжа қори Тошкандий деган ном билан таништиради. («Хулосат ал-аҳвол», 2^а вар]. Асар, айтилганидек тожик тилида битилган ва унинг мавжуд кўлэзма нусхаси 148 варақдан иборат.

Абу Убайдуллоҳ 1804-1805 йили Тошкентда туғилган. Бундай хулоса чиқаришимизга сабаб шуки, «Хулосат ал-аҳвол» муаллифи асарининг бир неча жойида (қар.: 2^б. ва бошқа вар.) маълум тарихий воқеаларга ўз муносабатини билдириб, ёшини ҳам қайд қилади. Масалан, Жаҳонгирхожанинг «фитна кўтариши» вақтида у 18 ёшга кирган экан. Маълумки, Жаҳонгирхўжа ибн Офокхўжа 1823-1824 йиллари Кўқондан қочиб, Қошғарда кўзғолон кўтарган. Ёки Россия кўшини томонидан Тошкентни босиб олиш вақтида у умри 60 ёшдан ўтаётганини қайд қилади.

Абу Убайдуллоҳ диндор оиласида туғилиб, руҳонийлар табақасига мансуб эди. У улғайгандан кейин «замона тақозаси» билан ҳокимлар хизматига ўтиб, уларга мирзо ва закотчи бўлиб ишлаган.

Абу Убайдуллоҳ 6-7 ёшда бўлганида отаси оламдан ўтиб, онаси 25 ёшида бева қолиб, тўқувчилик билан ўғли ва бир қизини боқиб тарбия қилади. Улар Комолон дарвозасининг ташқарисида бир таноб келадиган боғга ҳам эга бўлишган. Абу Убайдуллоҳ ёшлигида мактабга берилади ва устози сифатида Эшонхонтўра Хўжа Аҳрорий Хўжандийни тилга олади. Улғайиб Абу Убайдуллоҳ амакисининг қизига уйланади (22^б – 24^а вар.].

Абу Убайдуллоҳ 18-19 ёшида Мелибой Сўфибой Урганжий маслаҳати билан илм олиш учун Кўқонга йўл олади. У Пирмуҳаммад мадрасасидан бир хужра ижара қилиб, унда шериги билан туради. Унга домулло Миржалол Тошкандий ҳам ёрдам берган. Пирмуҳаммад мадрасаси Кўқон толиб илмлари олдида анча обрўси пастроқ дор ал-улумларидан саналар экан. Шунинг учун ҳам ўша Мелибой Сўфибой ёрдамлари билан бир тиллою 14 тангага Мадрасаи Жомеъдан бир хужра олади. У Мулло Холмуҳаммад Курамагийдан дарс оладиган бўлади. Абу Убайдуллоҳ талабалик даврида қори Домулло Шер Ғозий Шермуҳаммаддан ҳам сабоқ олганини айтиб ўтган. Шу билан бир қаторда Абу Убайдуллоҳ Хиштин мадрасасининг имоми ва мутаваалиси Ҳожи Абдувалихон ҳамда Мадалихоннинг вазири Ҳожи Додожондан ҳам дарс ва сабоқлар олган. Шундан кейин Абу Убайдуллоҳ Тошкентга қайтиб, Ҳаким девонбеги хизматига мирзо бўлиб киради.

Абу Убайдуллоҳ ижтимоий фаолияти давомида катта мулкдорга айланади. У Тошкент ҳокимлари Лашкар қўшбеги (Ғуломшоҳ беклар беги Чатролий, Тошкент ва Дашти Қипчоқ мулкида 1810 йилдан 1841 йилгача танаффуслар билан волий бўлган ҳоким) девонида, Мулло Холбекка (1846 йилда), Азиз Парвоначига (1846-1847), Нормуҳаммадга (1847-1853), Мирзо Аҳмадга (1853-1857 йиллари волий) ва бошқаларга хизмат қилиб, Аликули амир лашкар даврида (1863-1865 йиллари) анча қийинчилкка дуч келиган ва ундан «кўп ранжу азоб тортган» экан.

Тошкент истилосидан сўнггина у бу қувғинлардан қутулган. «Хулосат ал-аҳвол» асари муаллифининг вафот йили ва ҳаётининг охириги даври ҳозирча маълум эмас.

«Хулосат ал-аҳвол» асари қуйидаги Муқаддима ва тўрт фаслдан иборат: Муқаддимада муаллиф ўз ота-онасининг ҳаётини баён қилади (2^б – 9^б].

«Биринчи фасл. Ота-онамининг мени болалигимдан балоғатга кирганликлари, тарбия қилиб улғайтирганликлари, каломуллоҳни ёдлаб маълум дарс китобларини ўқишим ва илм талабида мусофир бўлишим».

«Иккинчи фасл. Замона зарурияти, балки Қодири Ягона қудрати ва иродаси билан билим йўлидан чиқиб, умаро мулозимлари ва мирзолари сафига кирганим ҳақида». (9^б – 66^б].

«Учинчи фасл. Ўша вақтда бошлиқлар мулозимлари зумрасидан гаҳ бўлиб, гаҳ бўлмаб, замона тақозоси ва зарурат кучи билан хизмат қилиб, зарур бўлмаган вақтда ўша ишдан воз кечишларимнинг зикри (66^б – 91^б].

⁴⁶⁴ Ўринбоев А. Неизвестная рукопись по истории Кокандского ханства // Известия АН УзССР. 1957. – №3 – С.33-38.

⁴⁶⁵ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства (феодалное хозяйство Худаярхана). – С. 9-10.

«Тўртинчи фасл. Тошкент вилоятининг закотчилиги хизматига кириб, кейин маъзул бўлиб, яна шу вазифага насб бўлиш аҳволимнинг зикри ва шу ўртада юз берган ҳодиса ва воқеалар».

«Хотима. Бу банданинг ёши олтмишдан ўтиб шундан сўнг кўрган ва билганларини ёзилиши».

Асар 148 варақдан иборат бўлиб, Қўқон абришам (ипак) қоғозида, ҳар бир саҳифада 16 сатрдан иборат матн билан ёзилган. Фаслларнинг номи қизил рангда (шингарф), матни қора рангда кўчирилган. Китобнинг муқоваси кўк рангда. Асар ҳижрий 1281 йили милодий 1864-05 йили кўчирилган. Бизнинг тахминимизча, бу муаллифнинг автографидир.

Асар тарихий манба сифатида Қўқон хонлиги тарихи, хўжалик ва маданий ҳаётига оид бўлган далилларга эга. Абу Убайдуллоҳ маълумотлари хонликнинг этник тарихига дор ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақида ҳам айрим маълумотлар беради. Бу маълумотлар тўғрилигига шубҳа бўлиши қийин, чунки бу далил ва маълумотлар ўз даврининг шоҳиди бўлган ва кўп воқеаларнинг бевосита иштирокчиси томонидан ёзилган.

Асар мазмуни Тошкент мулкида юз берган воқеаларни ўз ичига олиб, хонликнинг бошқа ҳудудлари ҳақида ҳам маълумот беради. Тошкент вилоятида Умархон давридан бошлаб, яъни 1810 йилдан 1841 йилгача Лашкар Бекларбеги (қўшбеги) ҳоким бўлган. Абу Убайдуллоҳ бу ҳоким ҳақида катта самимият билан ёзади. Лашкар бекларбеги даврида Абу Убайдуллоҳ Ҳаким девонбегида закотчи бўлиб ишларди. Ҳаким девонбеги Тошканд, Туркистон, Чимкент ва Сайрам ноҳияларидан хирож ва закот оларди. Бошқа девонбеги Худойберди эса вилоятнинг қолган ерларидин хирож ва закот ишларига мутасаддий бўлган.

Худойберди девонбеги хирож ва закот йиғадиган ҳудудларда XIX асрнинг 40-йиллари катта кўзғолон бўлади. Тошкент атрофида яшайдиган аҳоли хирож ва закотларнинг оғирлигидан бош кўтариб, Худойберди девонбегини 300 нафар кўшини билан тутиб олиб, ўзини ўлдирадилар. Лашкар қўшбеги уларга қарши борганда, қозоқлар тақир даштларга ўтиб кўчиб кетдилар. А.Ўринбоев тахминича, улар Чу дарёсининг нариги қирғоғига ўтиб кетганлар⁴⁶⁶.

Қўқон хони Муҳаммадалихон (1822-1842) ҳукмронлигининг охириги йилида Лашкар қўшбегини Тошканд ва Дашти қипчоқ волийлигидан олиб, ўрнига Қаримқули меҳтарни ҳоким, Мулло Йўлдошни вилоят ботурбошиси этиб таинлайди. Ўн ойдан сўнг у Исобек деган кимсани бу мулкдан волий этиб тайинлаган бўлсалар ҳам, аҳоли тинчимайди. Шунда 1842 йилнинг бошларида Марғилонда ҳоким бўлган Лашкар қўшбеги қайта Тошканд мулкига ҳоким бўлиб келади. Абу Убайдуллоҳ ўз ҳомийси билан Марғилонда ҳам бирга бўлиб қайтади. Лашкар қўшбеги Қўқон итоатидан чиққан кўчманчи аҳолига қарши тўсатдан кўшин тортиб, кутилмаганда Пишкек қалъаси атрофида пайдо бўлади ва қалъа ҳокими Ёдгорбек билан тил бириктириб, элотию оқсоқоллари билан битим тузади ва шу ўлкани қайта Тошканд итоатига киритади («Хулосат ал-аҳвол», 82а-87а).

Абу Убайдуллоҳ шу даврдаги Тошкентнинг маданий ҳаётига оид, олим ва домуллолар Халифа Баҳодур шайх, Эшон Юсуфхон, Тўраҳон Эшон, Халифа Охунжон, шайх Алий Қаротош ҳақида ҳам айрим қайдларини берадики, булар тадқиқотчиларга ўтган асрнинг маънавий муҳитини ёритишда қўл келадиган материаллар саналади. 1842 йили Бухоро амири Қўқон хонлигини босиб олганидан сўнг, Тошкентга амир Насруллоҳ номидан Муҳаммадшариф Отолиқ ҳоким этиб тайинланади. Абу Убайдуллоҳ эслатишича, бу Отолиқнинг Лашкар қўшбегига нисбатан каттиқ адовати бўлган. Муҳаммадшариф Отолиқ Бухоро амири ҳомийлигидан фойдаланиб, Бухоро қарамлигидан озод бўлган Қўқонга қаршилик кўрсата бошлайди. Шунда у Хўжандни забт қилмоқчи бўлиб, қирқ кун қамалга олади. Абу Убайдуллоҳ ҳам унинг кўшини билан Хўжандга бориб қайтади. Муаллиф Хўжанд вилоятининг талон-торож қилинишини афсус ва надоматлар билан қайд қилади. Муҳаммадшариф Тошканд ҳокимлигидан ҳайдалгандан сўнг, Салимсоқхон ибн Шералихон волий бўлиб Шоди додҳоқ унинг олдида ботурбоши бўлиб келади. Аминжонбой деган киши унга закотчи бўлиб, ўз ўғли Зокиржонни закотхонага мутасадди қилиб тайинлайди. Кейинчалик Салимсоқбек Тошкентдан чақирилиб олиб, ўлдирилади. Уч ойдан сўнг унинг ўрнига «Азиз бача деган баъзи авбошларнинг махрами» Тошкент ва Дашти қипчоққа ҳоким бўлиб келади (103^а)» дея хабар беради муаллиф.

Абу Убайдуллоҳ ўз асарида берган ажойиб бир маълумот бор. Маълумки, Абдулло Қодирий «Ўтган кунлар» номли тарихий романида Азиз парвоначи воқеаси ва Тошкентдаги 1847 йили содир бўлган кўзғолонни бадиий тилда баён қилган. Бу романда тарихий бир муайян давр акс эттирилган бўлиб, у 1846 йилдан 1860 йилгача давом этади. 1846 йили Азиз парвоначининг Тошкентга волий бўлиб келиши, 1860 йил эса асарнинг қаҳрамони Отабекнинг дўсти уста Мўмин билан Авлиёота шаҳри ҳимоясида қурбон бўлишлари санасидир. «Хулосат ал-аҳвол» асаридаги маълумотлар «Ўтган

⁴⁶⁶ Ўринбоев А. Неизвестная рукопись по истории Кокандского ханства. – С. 34.

кунлар» романининг типологизацияси ёки персонафикацияси учун баъзи муҳим далиллар бериб, асардаги тарихий шахслар таржимаи ҳолларини ёритиб, манбадаги маълумотларни ёзувчи талқини билан солиштириб, қиёсий ўрганиш учун ёрдам беради. Абдулло Қодирий талқинида берилган энг марказий персонажлардан бири Юсуфбек ҳожи образи эканлиги бизга маълум. Унинг образи Абдулло Қодирий томонидан умумлаштирилган, ҳаёти ва тақдири адабий талқинда акс эттирилган. Абу Убайдуллоҳ маълумотига қараганда (103^a-105^b, 107^a, 150^a-153^b). Юсуфбек ҳожининг асл номи Муҳаммадюсуфбек бўлган, Авазмуҳаммад Аттор Хўқандий «Тарихи жаҳонамой» асарида эса унинг номини «порчабофлардан» деб касбига ҳам ишора қилади⁴⁶⁷. У «Ўтган кунлар» асарида тасвир этилганидек, Азиз парвоначига эмас, балки ундан кейин Тошкентга ҳоким бўлиб келган Нормуҳаммад кўшбегига вазир ва дабир бўлган. Азиз парвоначи даврида унинг вазири ва маслаҳатчиси Муҳаммадюнус ибн Азимжон «силлик» бўлган экан: «Бу Азимжон «силлик» дегани Муҳаммадалихон даврида Қўқон вилоятида мартаба-мансаб пайдо қилиб, мазкур вилоятда ёмон ишларга сабаб бўлди. Кейин уни мувоҳаза қилиб (амалидан олиб), охири Пишқакда ўлдирилди. Азимжон «силлик» ва Каримқули меҳтарким, унинг лақаби «жин урсин» эди иккалалари бадқирдор эдилар. Бир шоир улар ҳақида деди:

Бузди Фарғона элини қуто-ут-тариқ,
Бири ханнос жин урган, бири ва-н-нос силлик» (113^b).

Азизбек парвоначи Чуст вилоятидан («Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Муҳаммадсолиҳ уни Аштий деб атади) бўлиб, бир ярим йил Тошкентда ҳокимлик қилади. Абу Убайдуллоҳ Азиз парвоначини «бачча» ва «баъзи авбошларга маҳрам эди» деб, унга нафратини баён қилади. Азиз парвоначи Тошкент кўзғолонидан сўнг мансаб ва вазифасидан олиниб, ўрнига Кировучи ҳокими Нормуҳаммад волий бўлади. Азиз парвоначи вазифасидан олинишида катта хизмат қилиб, халққа бош бўлган Муҳаммадюсуф Нормуҳаммадга вазир ва дабир бўлади. Бу вазир Абу Убайдуллоҳни қайта закотхонага мирзо этиб тайинлайди. Абу Убайдуллоҳ эсдаликларига қараганда, Муҳаммадюсуф Оқмасжид муҳосираси ва мудофаасида (1853 йили) ҳам қатнашиб, Қосим мингбоши, Сўфибек додхоҳларга ҳам дабирлик қилган экан.

Шуни таъкидлаш керакки, Оқмасжид истилосидан олдин Абу Убайдуллоҳ давлат арконларига Шамайга рус маъмурияти олдида бир жиддий элчиларни юборишларини маслаҳат беради ва ўзи элчи сифатида Миён Халил Соҳибзода ибн шайх Аҳмад Форуқий – Нақшбанд Сарҳиндийни⁴⁶⁸ кўрсатади. Аммо унинг ўрнига Йўлдошбой карвонбоши Шамайга юборилади. Бу элчилик натижасиз тугайди. Россия империяси Қўқон хонлигининг ўзаро уруш ва низоларидан фойдаланиб, унинг ерларига бостириб киришни бошлайди. Шу ўринда Абу Убайдуллоҳнинг бир хулосасини келтиришни лозим топдик. Шералихон даврида (1842-1844 йиллари) Қўқон хонлиги Бухоро амирлиги истилосидан ва ўзаро жангу жадаллар ва низолар натижасидан жуда ҳам заифлашиб кетади. Хўжалик ва маданий ҳаёт, савдо ишлари, ер-сув масалалари бузилиб кетиб, ички ва ташқи вазияти оғирлашди. «Шералихон давридан бошлаб олдинги ҳокимлар томонидан тузилган давлатдорчилик тартиби бузилади. Ҳар бир киши бирор жойда ҳоким бўлиб олса, хоҳишига қараб зулм ва ситамни ўзига касб қилиб оларди. Оғир воситалардан фойдаланиб, халқдан хоҳлаган нарсасини тортиб оларди. Айниқса, узокда жойлашган вилоятлар аҳволини ҳеч ким сўрамасди». Абу Убайдуллоҳни шундай тушкун ҳолатга тушиб, афсус билан ҳокимлар зулм-ситамлари ҳақида ёзган эсдалик ва маълумотларига А.Ўринбоев ҳам махсус диққатини қаратган.

1853 йили Тошкент ва Дашти кипчоқ мулкида Мирзо Аҳмад деган киши волий бўлади. Янги ҳоким 1857 йилгача бу ўлкада ҳокимлик қилиб, ундан сўнг ҳам Қўқон хонлиги тарихида катта ўрин эгаллаган. Мирзо Аҳмад ҳоким бўлиб олгач, энг аввал Нормуҳаммад даврида вазир ва дабир бўлган Муҳаммадюсуф («Ўтган кунларда» Отабекнинг отаси) қасдига тушиб, уни тутиб олиб ўлдирмоқчи бўлади. Лекин, Муҳаммадюсуф олдинроқ ўз жонидан хавфсираб Чимкентнинг Манкат қишлоғида яшириниб яшайди. Аммо унинг Абдулмўмин деган хизматкори Мирзо Аҳмадга Муҳаммадюсуфни тутиб беради. Мирзо Аҳмад уни Авлиё Отага олиб бориб дорга осди (150^a – 153^b). Бу воқеа 1232, милодий 1865 йили содир бўлган экан. Абдулмўмин номли бу шахс анча йил олдин Муҳаммадюсуф уйига садақа сўраб келган экан. Муҳаммадюсуф ундан номи ва ҳол-аҳволини сўраб, ўз тарбиясига олади. Кейинчалик, Абдулмўмин хиёнатига нима сабаб бўлганини Абу Убайдулло маълум қилмайди. Биз ҳам ортиқча тахминлардан чекинамыз.

⁴⁶⁷ Авазмуҳаммад Аттор Хўқандий. Тарихи жаҳонамой // Қўлёзма ЎзФА ШИ. – №9455, 200^a.

⁴⁶⁸ У ва унинг авлодлари ҳақида қаранг: Мийан Фадли Аҳмад / Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып.4. – Москва: Восточная литература, 2003. – С. 49-51.

Абу Убайдуллоҳ «Хулосат ал-аҳвол» асарида солиқлар ҳамда хирож ва закот олишда ҳокимлар ва закотчиларнинг оддий халққа нисбатан зулм-ситама ва зўравонлик қилишларига мисоллар келтиради. Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмаднинг бундай ишларда ҳийла найранглари чегараси йўқлиги Абу Убайдуллоҳ тасвирида жуда объектив чиққан. Унинг бу сиёсатидан Дашти қипчоқ аҳолиси норози бўлиб, кўзғолон кўтариб, ҳатто «бундай мусулмон ҳокимдан кофирлар яхши», деб ҳар йили русларни бир манзил ичкарига олиб келганларини таъкидлайди (166^б – 167^а].

Мирзо Аҳмад даврида закотлар тўрт баробар кўп олинган бўлади. У найранг ишлатиб, кўчманчи аҳолини ҳар йили борадиган яйлов ва қишлоқларига қўймай, уларга бошқа ерларга боришни буюради. Масалан, Авлиёота атрофидаги қозоқлар жамоасига Чимкентга кўчиб боришлари учун фармон беради. Жамоа оқсоқоллари тўрт минг тилло йиғиб Мирзо Аҳмад яқинларига бериб, бу фармонни бекор қилишни сўрадилар (162^б вар.]. Ёки Авлиё ота бозорида у бирор жамоа бошлиғини кўриб, тутиб олиб «сизларнинг жамоаларинг 5000 тилло қарздор, ҳозир шу маблағни топиб берасан» дер экан. Бермаса жазо бериш билан кўрқитиб, унга шу бозордаги бирор дўкондорлардан қарз олиб тўлашни маслаҳат ҳам берар экан. Дўкон эгаси Мирзо Аҳмад олдин бериб қўйган пулни фоизи билан қарздорга беради. Бу маблағдан кунига 300 танга фойда тушар экан. Вақтида қарз тўланмаса, ҳар кун ортиқча 100 танга олишларини талаб қилиб, буйруқ беради. Мирзо Аҳмад хонга деб аҳолининг яхши отларини ҳам тортиб оларди. (163^б, 162^а]. Бечора халқ солиқларини тўлай олмай ўз мол-ҳоллари, ҳатто фарзандларини ҳам сотиб, пулини закотчиларига берарди. Яна қарздор бўлган жамоа аҳли қарзини закотчилар жамоа аҳлига баробар тақсим қилиб берар экан ва уларни тўлашга мажбур қилар эканлар(162^б, 163^а].

Мирзо Аҳмадга қарши халқ нафрати ва норозилиги ошиб борарди. Закотчилар халқдан кўрқиб, хирож ва солиқ олиш учун катта қўшин билан чиқадиган бўлдилар. 1857 йили Авлиёота атрофидаги аҳолидан закот олишга чиққанда, «Хулосат ал-аҳвол» муаллифи ҳам 30-40 нафардан иборат даста билан Меркага боради. Улар қўйлардан закот оладиган вақтда Мирзо Аҳмад номидан тўрт нафар ясовул келиб, зўрлик билан ортиқча солиқ оладилар. Шунинг учун ҳам муайян бир кунда аҳоли кўзғолон кўтариб, ҳамма закотчиларни тутиб олиб, ҳар бирини алоҳида бир овулга гаров сифатида олиб борадилар. Бу кўзғолонга Худойберган ибн Бойит баҳодур бошчилик қилган эди(165^а]. Кўзғалган халқ Мирзо Аҳмадни қўшини билан Авлиё ота қалъасига қамаб қўядилар. Уни халқ камалидан Шодмонхўжа ва Маллахон бошчилигида Худоёрхон юборган қўшин қутқаради(262^а].

Шу даврда Қўқон хонлигининг ички ва ташқи вазияти янада оғирлашиб кетади. Фарғонада қирғиз ва қипчоқлар йўқолган мавқеларини қайта қўлларига олиш учун марказий ҳукуматга қарши низолар бошлайдилар. Бу воқеалар ҳам Абу Убайдуллоҳ диққатидан четда қолмаган. Маллахон ибн Шералихон Алимкули қирғиз ёрдамида тахтга даъво қилиб, хонлик тожига эга бўлади (1857-1862]. Бу даврда Мирзо Аҳмад ва Дўст-Муҳаммад дастурхончи Худоёрхонга яқин бўлиб қоладилар. Маллахон даврида Ўтаббий Тошкентда волий бўлиб, Қурбонбек номли акасининг қизига Маллахон уйланади. Ўтаббийдан кейин Тошкентда бир муддат Муҳаммадмусо парвоначи ҳоким бўлади. 7-8 ойдан сўнг унинг ўрнига Рустамбек ибн Қазоқбий ибн Тулибий (Солиҳбек охунднинг акаси) ўтиради. Шу Рустамбек Абу Убайдуллоҳ закотхона мирзолигига даъват қилган экан. 10 ойдан сўнг, у ҳам волийликдан бўшайди ва ўрнига Қаноатшоҳ (Калли Қаноат) ҳоким бўлади (172^а]. Пишкак жангидан сўнг, Қурбонбек Қозоқбий ўғли (Маллахоннинг қайнотаси) бир муддат Тошкентда ҳоким бўлади (175^б]. Маллахоннинг ўлимидан сўнг (1862 йили) Тошкент мулки Қўқон тобелигидан чиқмоқчи бўлади. Худоёрхон қайта тахтга ўтиргач, укаси Султон Муродбекни Тошкентга волий этиб тайинлайди. Аммо ўз ўрнига ботурбошиси Дўст Муҳаммадни юборади. Худоёрхон ҳомийси амир Музаффар эса ўз томонидан Йўлдошбек (бу ҳам Қозоқбий ўғли бўлган) деганни Тошкент ҳокими қилиб тайинлаб, ёрлиғ юборади. Унинг тарафдорлари Холмуҳаммад закотчи-қорақалпоқ 200 нафар одам билан Дўст Муҳаммадни қамаб зиндонбанд қилади. Бундан хабардор бўлиб Қўқон ҳукуматининг тарафдорлари Юсуф бий, Гадоё саркор, Норхўжа Эшон ва Абдулқосимбой (1810-1892) Эшон Миён Халил Соҳибзода олдига келиб ундан маслаҳат сўрайдилар. Унинг маслаҳати ва розилиги билан 12 минглик оломон ўрдага бориб, Дўст Муҳаммадни озод қиладилар. Чорсуда шу иккала гуруҳ орасида жанг бўлади. Домулло Солиҳбек, Холмуҳаммад ва Йўлдошбеклар уй-ҳовлиларини халқ талон-торож қилади, Қурбонбек ва Норхўжа эшон ҳалок бўладилар (198^а]. Тошкент аҳолиси бу ишлар Домулло Солиҳбек иғвосидан деб билади ва хон олдида дастурхончи бўлган унинг укаси Рустамбекни қатл қилишни Худоёрхондан талаб қиладилар. Аммо, Худоёрхон уни амир ҳузурига юборади. Абу Убайдуллоҳ маълумотига қараганда, Худоёрхоннинг онаси ўзининг яқин қариндошларидан бўлмиш бир қизни амирга ҳузурига ҳадия тариқасида юбориб, ундан мадад беришини илтимос қилган экан.

«Хулосат ал-аҳвол» асарида шунга ўхшаш маълумотлар ҳамда юқорида келтирилган тафсилотлар кўп манбаларда учрамайди. Шунинг учун ҳам Абу Убайдуллоҳнинг бу асари жуда қимматлидир.

Асарнинг охириги варақларида Абу Убайдуллоҳ Тошкентнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши, Аликули амирлашқарнинг ҳалок бўлиши ҳақида маълумот беради. Тошкентга босқинчилар кўшини киришидан олдин, ҳижрий 1281 йили зу-л-ҳижжа ойининг 27 сида (милодий 1865 йили 23 май) Тошкент зодагонлари машваратга жамъ бўлиб, Бухоро тобелигига кирмоқчи бўладилар. Аммо, улар яна икки гуруҳга бўлиниб кетадилар. Бир тоифа тарафдорлари Маллахоннинг ўғлини (Султон Саидни) хон кўтарадилар. Аммо иккинчи гуруҳ бошлиғи Мулло Солиҳбек аввал русларга хат юбориб, уларга шаҳар дарвозаларини очиб беришни ваъда берган экан, бироқ бу гуруҳ тез орада Бухоро амирини кўллаб-қувватлашга ўтганларини эса рус архив материаллари ва «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида келтирилган маълумотлар исботлайди. Қўқон лашқари чиқиб кетганидан сўнг, Россия билан сулҳ тузилади. Абу Убайдуллоҳ бу музокара ва сулҳ шартларини ўз асарида берган. Бу маълумот ҳам аксар манбаларда йўқлиги учун уни келтирамиз.

«Алқисса, шаҳарнинг ҳамма аҳолиси тил бириктириб, иттифоқ туздилар. Мулло Солиҳбек ҳам бу маънога тан берди. Вилоятнинг катталари ва оқсоқоллари уруснинг улуғларидан бўлмиш женерол деган ҳузурига бирлашиб бордилар. Улар сулҳ эшикларини очиб, мазкур шартларни муҳокама қилдилар. Ҳаммаси қабул бўлди ва женерол ўз тилидан ёзма битим ёзиб берди. Урусиянинг ҳамма улуғлари ўша аҳдномага кўл кўйиб имзо чекдилар. Раислар бу мактубни шаҳарга олиб бориб, катта йўлларда аҳоли ва фуқарога ўқиб бердилар. Биринчи шарт шулки, (Урусия) ҳеч қачон мусулмонларнинг дини ва шариат ишларига дахл қилиб, тааруз қилмайди ва шариатга зарар етказиб, уни оёқости қиладиган ишни ҳам қилмайди. Мусулмонларни ўз ҳолларига қолдиришлари керак. Бошқа шарт шулки, мусулмонлар уйларига ижозатсиз ва рухсатсиз уруслар ҳамда саллотлар (аскарлар)ни киришлари мумкин эмас. Бошқа шарт. Ҳеч қачон хоҳ бир йил, хоҳ йигирма йил, хоҳ юз йил ўтмасин, мусулмонлардан саллот олмасин. Бошқа шарт. Васикалари бор, сотиб олган ёки оталаридан мерос қолган мусулмон ерларидан ва шунга ўхшаган ерлардан хирож ва таноб (пули) талаб қилмасин ва шаҳардан узоқда жойлашган ва ҳали олди-сотди жараёнига кирмаган ерлардан фақат ушр олиб, ундан зиёдасини талаб қилмасин. Ва бошқа шарт шулким, бозордан торозу ва миршаблар учун, қўй бозоридан, туя, от ва мол ва шунга ўхшаганлардан олдинги Қўқон ҳукумати золимларча оладиган закотдан ташқари нарса талаб қилмасин ва бир фулус (ортиқча) олмасин. Бошқа шарт. Нимаики, Муҳаммад салаллоҳу алайҳи васалам шаръи шарифлари фуқаро зиммасига қўймаган бўлса шуни мусулмонлардан талаб қилмасин. (234^{а-б} вар.].

Шундан сўнг, Абу Убайдуллоҳ Яъқуб бий тилидан Мулло Солиҳбекни Россия ҳукумати томонидан сургун қилиниши баён этади. Яъқуб бий сўзига қараганда, Мулло Солиҳбек янги маъмурият тарафидан хиёнатда айбланиб, Россияга олиб кетилган экан. Мулло Солиҳбекнинг «хиёнати» шундан иборат эдики, у Россия ҳукуматига ва унинг Туркистонни босиб олиш сиёсатига қарши чиқиб, босқинчиларга қаршилик кўрсатишни халқ орасида тарғиб қилган⁴⁶⁹.

Абу Убайдуллоҳ қаламига мансуб «Хулосат ал-аҳвол» номли асар маълумотларини архив ҳамда бошқа манбалар маълумотлари билан солиштириш, уни таржима қилиб, изоҳ ва кўрсаткичлар билан чоп этиш навбатдаги вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда.

IV.I. 12. Комий ва унинг «Таворихи манзума» асари

«Таворихи манзума» асарининг муаллифи Комий-Имомали ал-Кўҳандизий-Қундузий Афғонистоннинг Қундуз шаҳри қозиси оиласида дунёга келган. 1824-25 йиллари у Қошғарга боради. У ердан қайтгач, 1828-1830 йиллари Бухорода яшайди ва амир саройига яқинлашади. Шу йиллар давомида амир Насруллоҳ буйруғи билан «Дурражут-тож» («Тож дури») номли китобини ёзади. Кейинчалик Имомали Қори Қундузий Қўқон хонлигига келиб, Хўжандда яшайди. Сўнг хонликнинг пойтахти Қўқонга келиб, мударрис Мулло Абдулазиз-Махсум Қози Ғаний олдида муаммо илмини ўрганади. Қўқонда Имомали асосан косиблик қилиб кун кечирган. 1842 йили май ойида Қўқон амира Насруллоҳ томонидан босиб олинганида, Комий бу воқеага бағишлаб амирнинг шаънига бир неча мактовли таърихлар битади. Лекин, икки ойдан сўнг, хонлик Бухоро зулмидан озод бўлгандан кейин, Комий мажбур бўлиб, иккинчи маротаба Қошғарга боради. Комий фақат Худоёрхон даврида Қошғардан қайтиб келади. 1850 йилдан кейин у «Таворихи манзума» («Шеърда битилган тарихлар») асарини

⁴⁶⁹ Муфассал қаранг: Солиҳбек додхоҳ / Тузувчилар: О.Бўриев, Н. Убайдуллабек ўғли. – Тошкент: Фан, 2006. – 104 б.

номли асарини ёзади. «Таворихи манзума»да Қўқон хонлиги Қошғар ҳамда Бухорода юз берган тарихий воқеалар тарихий моддалар орқали ёзилиб, уларнинг йиллари кўрсатилади.

Асарнинг қўлёзма нусхалари жуда ҳам кўп учрайди. «Тарихи манзума» мавжуд каталогларда ҳамда олимлар А.Мухторов ва Е.А.Маджий томонидан таҳлил этиб ўрганилган⁴⁷⁰.

IV.I. 13. Тожирнинг «Ғаройиби сипоҳ» асари

Қўқон адабий муҳитида яратилган тарихий асарлар орасида муҳим ўрин эгаллаган асарлардан бири тожик тилида ёзилган «Ғаройиби сипоҳ» («Қўшин ажойиботлари») ҳисобланади. Бу асардан фақат бир нусха бор бўлиб, у ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, қўлёзма рақами 5408 остида сақланади. Асарнинг китобати чала қолган бўлса ҳам, Қўқон тарихига оид муҳим маълумотларни беради. «Ғаройиби сипоҳ»нинг муаллифи Тожир деган кишига нисбат берилди. «Тожир» тахаллуси асарда келтирилган бир маснавийнинг мақтаида учрайди (вар. 8⁶). Тожирнинг таржимаи ҳоли маълум эмас. Унинг савдо-сотик ишлари билан машғул бўлганини тахмин қилиш мумкин. Тожир ўз асарининг ёзилиш йилини қуйидаги байтда келтиради:

Таржимаси:

Бу китоб ёзилиш йилини китоб номидан қидирдим,

Хирад дедики, унинг таърихи номидадир «Ғаройиби сипоҳ»

Абжад ҳисоби билан «Ғаройиби сипоҳ» санаси 1281 йилни беради. Бу сана милодий 1864-65 йилга тўғри келади.

«Ғаройиби сипоҳ» асари насталиқ хати билан Қўқон қоғозида 16 қатордан кўчирилган. Ҳаммаси бўлиб 38 варақдан иборат. Асар охиригача кўчирилмаган (СВР, VII, 41].

Бизнинг фикримизча, асар муаллифи қўшин ва аскарлик ишларига яқин бўлган. Тожир сарой ишлари ва ташқи сиёсатга алоқаси бўлган баъзи маълумотларни берадики, бу муаллифнинг ёки ровийларнинг сарой ва давлат ишларига аралашиб юрганликларидан дарак беради. Шунинг учун ҳам «Ғаройиби сипоҳ» асарининг баъзи маълумотлари ишонарлидир.

Асарнинг мундарижаси қуйидагича:

- Хўқанднинг бунёд бўлиши ҳақидаги фасл;

- Фарғона шоҳларининг насаблари ҳақидаги фасл;

- Умархоннинг тахтга ўтиргани ҳақидаги фасл;

- Достони жулуси Муҳаммадалихон;

- Хони шижоатнишон (Муҳаммадалихон)нинг Ғозий бўлгани ҳақидаги дoston.

- Охунд Аълам Почони Чинга элчи бўлиб боргани ва сафарнинг тафсилотлари (ҳақидаги фасл);

- Хонпошо ойимга алоқадор тафсилотлар;

- Қўқон хони Муҳаммадалихон ва Бухоро амири Насруллоҳ ҳақида ва Қўқоннинг 1842 йили амир Насруллоҳ қўшини томонидан истило этиб, тасарруфига ўтиши ҳақида (23⁶-29⁶ вар.);

- Ва ниҳоят, қисқача Бухоро амири гумаштаси Иброҳим парвоначининг даври, Шералихон ҳукумати ва қирғиз-қипчоқлар чиқишларининг бошланиши баён этилади. Асарнинг тафсилоти Мукулмонқули қипчоқнинг мингбоши бўлиб, ҳукуматни қўлга олиши билан узилган.

Бу асарда мавжуд бўлиб, аммо Қўқон тарихий манбаларининг бошқасида учрамайдиган баъзи маълумотларни таъкидлаб ўтаемиз:

Олимхон (хукмронлик йиллари 1798-1810) ўғли Муродхонни Бухорога юбориб, кейин Тошкентга қарши боргани ҳақидаги хабар (5⁶). Умархон даврида (1810-1822 йилларда) Бухоро билан яқин алоқалар бўлгани, жумладан, Охунд Домулло Мир Боқий элчилиги ҳақида маълумот. Умархон вафотидан сўнг, синглиси Офтоб ойим бинти Норбўтахонни тахтга даъво қилиб, ўғли Чиний тўрани хонлик маснадига кўтармоқчи бўлгани ва бунга тоғалари Қосим бекларбегининг қарши чиқиши ҳақидаги маълумот (11^{а, 6}). Бу маълумот кейинчалик нима учун Офтоб ойимнинг эри Маъсумхон тўра ва ўғли Ҳакимхонни Муҳаммадалихон сургун қилганига аниқ киритадими, деб ўйлаймиз, зеро, Муҳаммадалихон хон бўлгач, бу қариндошларини йўқ қилишга, ҳеч бўлмаса хонликдан сургун қилишга ҳаракат қилиб, мақсадига ҳам эришган эди.

Яна муҳим маълумотлар қаторида Муҳаммадалихоннинг Чин ва Истамбулга юборган элчиларини айтиш мумкин.

⁴⁷⁰ Қаранг: Мухтаров А. О некоторых неизвестных источниках по истории Средней Азии XIX в // ИАН Тадж. ССР. ООИ, 1956. – С. 8. 97-101; Маджи Е. А. Новый источник по истории Коканда, Кашгара и Бухары // ИАН АН ТаджССР. ООИ. Вып. I. 1958, – С.35-42.

Қўқон тарихи, айниқса, Мадалихон тақдирига Хонпошша бинти Саййид Ғозий Маҳмуд тўранинг фожиали таъсир етказгани бизга маълум. Бу ҳақда «Мунтахабут-таворих» муаллифи Ҳакимхон тўра ибн Маъсумхон тўра ҳам асариди муҳим маълумотларни берган. Бу воқеаларга тегишли Тожир шуни илова қиладики, Муҳаммадалихонни бу никоҳига (Хонпошша Муҳаммадалихоннинг отаси Умархон никоҳида бўлган) қози аскар Мирзо Қаландар ривоят топиб фатво беради.

Бухоро амирлиги билан муносабатларга Тожир қуйидаги маълумотлари билан ойдинлик киритган. Маълумки, амир Насруллоҳ 1842 йилнинг баҳориди Қўқонга бостириб кирмоқчи бўлиб, Хўжандга келади ва унинг яқиниди Муҳаммадалихон лашкари билан жангга киришади. Амир Насруллоҳ Қўқон хони Муҳаммадалихонни ўз онаси Хонпошшани никоҳига киритгани учун жазо бермоқчи бўлиб, қўшин тортган эди. Тожир шу жангди хон томонидан юборилган қўшин бошлиқларининг номларини баён қилган. Унинг маълумотиға қараганда, Мадалихон (Муҳаммадалихон) амирға қарши беш туғ лашкари билан чиқади. Кўк рангли туғ билан хоннинг қайнотаси Муҳаммадшариф Отолиқ қизил туғ билан Саййид қўшбеги, қора байроқ остида хоннинг тоғаси Холибек қўшбеги, оқ туғ остида беш минг қирғиз аскарлари билан Норқўзи парвоначи ва сариф туғ остида Хўжа Мурод додхоҳ урушға киришган эканлар.

«Ғаройиби сипоҳ» асариди шоир Жунайдулло Ҳозик ҳақиди ҳам маълумот бор. Қўқон амири Насруло лашкари томонидан истило қилинган вақтди Ҳозик пойтахтди бўлиб, бу зўравонликка шохид бўлган, халққа нисбатан манғитларнинг зулму ситамларини кўрган. Бу ёвузликларни шоир ўз шеърларида келтирган Бизға маълум бўлган унинг машҳур:

Буриди бар тани худ аз надомат,

Либосе то ба домони қиёмат

[Надомат ва беномусликдан ўзингға қиёмат кунигача либос тикдирдинг) деган мисраларига Тожирнинг қуйидаги маълумоти илова ҳисобланади: «Ғаройиби сипоҳ» муаллифи хабарича, Ҳозик бир куни йўлда бир чопарни учратади. У амирға бир хат олиб бориб, унда Қўқоннинг амир тасарруфига ўтиб, бу мулкди ҳам у ҳоким экани маълум этилмоқди эди. Ҳозик номани ўқиб бир чеккасиға ёзади:

Ҳазратам имрўз даъвий нубувват макунад,

Соли дигар, ки худо хоҳад худо хоҳад шудан.

[Ҳазратим бугун пайғамбарликка даъво қилади,

Келаси йил насиб этса худо бўлса ажаб эмас].

Бу ишорани ўқиб, Бухоро амири Ҳозикни йўқ қилиш пайига тушади ва бир қотилни Шаҳрисабзға юбориб шоирни ўлдиради. «Шунинг учун ҳам фузалолар кишилар уни шаҳид деб биладилар», - дейди Тожир. Ва қуйидаги машҳур байтни келтиради:

Ман, ки на бисмил шудам на зеби фитроке

На аз хунам замин олуда шуд на домани поке.

(Мен на чала жон бўлдим, на овланган қаторди бўлдим,

Қонимдан ер ҳам бўялмади, бирор пок этакни ҳам булғамадим].

Асар қирғиз-кипчоқларнинг низолари, Муҳаммадюсуф, Шоди додхоҳ мингбоши, Муҳаммадназарбек, Мусулмонқулиларға тегишли воқеалар билан яқунланади, аниқроғи шу ҳодисалар баёни давомида узилган.

Тахминимизча, асарнинг муаллифи «Ғаройиби сипоҳ» тафсилотини ўз давригача бермоқчи бўлган. Асар янги нусхаларининг топилиши бу масалаларға ойдинлик киритади, деб умид қиламиз.

IV.I. 14. Бекназарнинг «Амирлашкар жангномаси» асари

Бекназарнинг «Амирлашкар жангномаси» асари ўзбек тилида ёзилган шеърӣ асардир. У битилган қўлёзма нусханинг 72^а варақди муаллифнинг номи берилган. Асарнинг 70^б бетиди «ушбу китоб жангнома турур, амирлашкарнинг уруш қилгани баёни турур», деб сарлавҳа берилган. Асар бир баёз таркибидан ўрин олган ва бу нусха ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида қўлёзма 1925 рақам остида сақланади. Асар фақат «Хўжанд устида уруш бўлганининг баёни» номли бир бобдан иборат. Унда Хўжанд мудофааси ва унинг Русия томонидан босиб олиниши (1866 йили июнь ойиди) тафсилотлари давомида, Тошкент, муҳофазаси ва унда қаҳрамонлик кўрсатган Алиқули ҳақиди ҳам сўз боради. Асарди қирғиз ва кипчоқ низолари ва Бухоро ўрталаридаги муносабатларига алоқадор маълумотлар бор.

«Амирлашкар жангнома»си 238 байтдан иборат бўлиб, 27 вараққа кўчирилган (70 б-87 б вар.]. Котиби Муҳаммадниёз Охунд. Кўчириш санаси ҳижрий 1296 (милодий 1878) йил. Хати настаълиқ.

Матни қора сиёҳда, боб номи қизил рангда кўчирилган. 10x6. Матнда 14 сатр. Муқоваси қалин мағздан, ранги кўк ва мунаққаш. 3 та тамғаси бор. Таякиси таъмирланган.

IV.I. 15. Тарихчи Авазмуҳаммад Аттор Хўқандий.

Қўқон тарихнавислик мактабида шоир, котиб ва тарихчи Авазмуҳаммад Аттор ибн Мулло Сўфи Муҳаммад Аттор Хўқандий ўзининг серқирра ижоди билан катта из қолдирган. Унинг номи Шарқ адабиёти ва маданиятида тарихчилар Наршахий, Табарий, Жузжоний, Балъамий, Насриддин Байзавий, Рашидаддин, Фахриддин Банокатий, Ҳамидуллоҳ Қазвиний, Муҳаммадшабонгаройи, Фасиҳиддин ал-Ҳафавий, Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Ҳакимхон ва бошқа машҳур мутафаккирлар билан бир қаторда туради.

Авазмуҳаммад Аттор ҳаётига тегишли маълумотлар жуда ҳам оздир. У ўзининг асарларида таржимаи ҳолига тегишли баъзи хабарларни беради. «Тарихи жаҳоннамой» муаллифи XIX асрнинг бошларида дунёга келиб, шу асрнинг 70-йилларида вафот этган. Авазмуҳаммад Умархон, Муҳаммадалихон, Шералихон, Худоёрхон, Маллахон, Султон Саидбек ва Қўқон тахтига қисқа бир муддатга кўтарилган хонларга замондош бўлиб, кўп тарихий воқеалар ва ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган. Унинг бир ўғли борлигини В.В.Наливкин ўз китоби «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи»да қайд этади. Чунки В.В.Наливкин «Тарихи жаҳоннамой» асарини Авазмуҳаммаднинг ана шу ўғли қўлида кўрган ва ундан фойдаланган экан.

Авазмуҳаммад Аттор умумжаҳон тарихига бағишланган икки жилдли «Тарихи жаҳоннамой» («Жаҳонни кўрсатувчи тарих») ҳамда Қўқон хонлиги тарихига оид «Тухфатут-таворихи хоний» («Тарихнинг шоҳона тухфаси») номли асарлар муаллифи ҳамдир.

Авазмуҳаммад ота касби атторлик, табибчилик ҳамда котиблик билан шуғулланган. Авазмуҳаммад қўли билан кўчирилган ҳинд табиби Муҳаммад Арзонийнинг «Муфарриҳ ал-қулуб» («Қалбларнинг сурури») асари бизгача етиб келган (Бу асар собиқ ЎЗР ФА Қўлғезмалар институти хазинасида, қўлғезма 4880 рақам остида сақланарди).

Авазмуҳаммад Аттор «Тарихи жаҳоннамой» асарининг биринчи жилдида китобининг таърифи ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: «Шундай тарихий китоб қадимдан ҳозирги кун, яъни 1274 / 1854-55 йилгача бизга етиб келмагандир. Ва бу иш янги бўлиб, унинг янгила лаззати бор. Бу нусханинг ёзилиш сабаби қуйидагича: «Бу банд ва фақир, бу мусаввад ва сатрларнинг муаллифи атторлар растасида туруб, бекорчиликдан бир неча қоп дору ва атторлик нарсаларни сотиш билан машғул эрдим. Менинг камбизоатлигим ва фақирлигим ҳамма яқинларим ва дўстларимга маълум эди. Ўшанда узоқ муддатлар форс тилидаги китоблар ва қўлғезмалар кўчириш билан машғул эрдик. Китобат ва ёзилиш вақтида қўлимизга «Мунтахабут-таворих» номли бир китоб тушиб қолди. Уни ҳам кўчира бошладик. Ва биз унинг тафсилотларида кўп зиддият ва қарама-қаршилиқ кўрдик. Шу сабабдан мен дўстларимдан тарихий китобларни менга беришларини илтимос қилдим, чунки улар кўп тарихлар ва ҳодисаларни ўқиб эшитган эдилар. Аллоҳ таоло инояти билан биз ҳаммасини тартибга солиб, китоб шаклига келтирдик... Бу китобнинг баёни Одам алайҳиссалом давридан бошлаб ... бугунги кунгача, яъни Саййид Муҳаммад Худоёрхон кунларигача давом этади. Китобнинг ёзилиши 16-17 йилга чўзилган.

Бу фақир бечора араб тилини махсус ўрганмаган ва бошқа илмлар устозларидан ҳам дарс олмаган, фақат форсий китоблар билан қаноатланган эдим. Шунинг учун ҳам китобнинг ҳар бир боби ва фасли ҳар хил даврда ёзилиб, камбағаллик ҳам ҳаётим этагини тутарди...

Давр подшоҳлари ва дор ас-салтанат амирлари тухфа ёки марҳамат учун бирор нарса, бирор дирҳам ҳам берганлари йўқ. Мен ўз ихтиёрим билан шу асарни беаб тугатдим. Аммо қайта кўчириб, янги нусхаларини тузиб, ҳар бир бобни яхши ва кенг баён этиб, жой-жойларига қўйиш учун вақт бўлмади. Агарда вақт тақозоси ва шароит талаби билан фикрларимиз чалқаш ва мантиқсиз тушган бўлса ҳам тугатолмадик. Қўлғезманинг кўчирилиши ва танзими ҳам «Равзат ас-сафо»дек чўзилиб кетди. Асар жуда ҳам муфассал бўлғонидан уни икки дафтар (жилд)да туздик» («ТЖ», I жилд, 833^a-835^a).

Шундай қилиб, Авазмуҳаммад «Тарихи жаҳоннамой» асарини икки жилдда ёзгани аниқ бўлади. Асарнинг биринчи жилди айни кунларда Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлимида, қўлғезма С 439 рақами остида сақланади.

Асар қўлғезмаси А.Кун томонидан 1890 йили Осиё музейига тақдим этилган. Асарнинг иккинчи жилди ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида қўлғезма 9455

рақами остида сақланади. Бу нусха 1940 йили Навоий юбилейи қўмитасига Боқий Насруддинов томонидан тақдим этилган⁴⁷¹.

Авазмуҳаммад Аттор яна «Тухфатут-таворихи хоний» («Тарихга шоҳона тухфа») асарининг муаллифидир. Бу асар ҳам Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлимида, қўлёзма С 440 рақами остида сақланади. Бу асар 1902 йили В.В.Бартольд томонидан Фарғона вилояти маъмуриятининг таржимони О.У. Козимбобоевдан Осиё Музеи учун сотиб олинган. Лекин изланиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу «Тухфатут-таворихи хоний», «Тарихи жаҳонамой» асарининг иккинчи жилдининг янги таҳрири (варианти)дир⁴⁷². Уларни расмий тарих ва ғайри расмий вариантлар ҳам деса бўлади. «Тухфатут-таворихи хоний» менимча Худоёрхон ёки унинг авлодига мансуб бирор хонзодага ҳада қилиш учун битилган.

Авазмуҳаммад АтторХўқандий асарлари асосий мазмуни ва қиммати тавсифи:

- «Тарихи жаҳонномойи» («Жаҳонни кўрсатадиган тарих»)-Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлимида ягона бир нусхада сақланаётган Авазмуҳаммад асарининг биринчи жилди. У ҳижрий 1284-1876-78 йили ёзилган. Шу ҳақда асарнинг охирги варағида Ғулом Раббоний Пешоварий томонидан битилган тарих бор (835 вар.]. Муаллифнинг ўзи ҳам асарнинг 835^а,^б. варағида шу йилни асарнинг битиш санаси деб кўрсатади.

Бу асарда Авазмуҳаммад Аттор Шарқ тарихнавислик анъаналарига риоя қилиб, умумжаҳон тарихини ёритган.

«Тарихи жаҳонамой» асари биринчи жилдининг боблари қуйидаги мавзуларни ўз ичига олади.

- Кириш қисми-(9^б)
- Одам алайҳиссалом, набийлар, юнон файласуфлари ва уламолари (19^а);
- Муҳаммад саллаллоҳи алайҳиссалом, чаҳор ёри босафо, ўн икки имомларнинг зикрлари (43^б-411^б);
- Ол Умавия хулафолари (411^б);
- Ол Аббос хулафоларининг зикри (413^б);
- Тоҳирий ва исмоилийларнинг ҳукмронликлари (480^б);
- Турк ва мўғулларнинг насаблари, Чингиз ва чингизийлар (508^а);
- Темурийлар, қора қуёнлу ва оқ қуёнлу, шайбонийлар ва сафавийлар салтанатлари (57^а-612^а);
- Ҳиндистон ҳокимлари, Буюк мўғуллар салтанати;
- Аштархонийлар ҳукумати (695^а);
- Нодиршоҳ даври (733^б);
- Манғития сулоласининг Бухорода ҳукмронлиги (743^а);
- Ҳиндистон ҳокимлари – Бобур ва бобурийлар даври (802^а);
- Хотима (833^б].

Асарнинг кўп қисмини ҳар хил тарихий асар ва йилномалардан кўчирилган боблар ташкил этади. Улар кўпинча манбадан кўчирилган тарзда берилган. Авазмуҳаммад қуйидаги асарлардан иқтибос ва парчаларни кўчириб, ўқувчи диққатини тортган. Булар: «Лубут-таворих» («Тарих мазмуни») Мир Яҳё ибн Абдуллатиф ал-Ҳусайний ал-Қазвинийники, 574^а, 611^б]. «Тарихи Роқимий» (615^а, 655^б]. Шарифуд-дин аълам ибн Нуриддин Охунд Фарҳоднинг тарихлари, «Табақоти Носирий» (Муҳаммад Жузжонийники, 489^а), «Зафарнома» (Али Яздийники, 532^б), «Жамъ ал-асвол» («Савол (ва жавоблар) мажмуаси» Ибн Асирники, 421^а]. «Тарихи Банокатий» (ёки «Равзат ал-увла ал-албоб фи таворихи акобир ва-ансоб» Фахр уд-дин Абу Сулаймон Довуд ибн Абул Фазл Муҳаммад Банокатийники, 23^а), «Тарихи жаҳонгирий» (аниғи Муқаддимаи Зафарномаи Али Яздий», 23^авар.), «Равзат ас-сафо» (27^а, 32^а, 357^а, 405^б, 427^б, 456^б), «Жамъ ал-жавомеъ» («Жамланган энциклопедия» 397^б), «Матун ал-ахбор» («Ахборот матнлари» 41^б), «Муъламот-танзил («Нозил бўлган илмлар» 335^б), «Тарихи гузида» («Сайланган тарих» 31^б, 335^а, 404^а]. «Тафсири Абул Футух» (24^а]. «Тарихи Табарий» (26^а, 26^б, 34^б, 52^а, 109^а, 273^б, 360^б, 367^а, 378^б, 420^а), «Чил ҳадис» (49^б-50^б), «Аъмор ал-аён» («Аёнлар ҳаёти» 366^б), «Мўъжами кабири Абу Саййид Самноний (нинг катта энциклопедияси, 402^б), «Ҳабиб ас-сияр фи ахбори афроди-л-башар (404^а), «Кашф ал-ғолия» («Муаттар китоб» (414^а), «Тарихи комил» (420^а), «Нафаҳот» («ал унс мин ҳазароти-л-қудс» 49^а), «Сирут-таворих» («Тарихлар сири», 469^а), «Жамъ ар-ривоят» («Ривоятлар мажмуаси» 456^а), «Маджмаъут-таворих» («Тарихлар мажмуаси» 469^а), «Ҳофизи Абруйники, 540^б), «Тухфаҳоти шайх Муҳиддин» («Шайх Муҳиддин тухфалари» 448^а), «Жомиут-таворих» («Тарихлар мажмуаси» Рашидуддинники 320^б, 422^б), «Тарихи

⁴⁷¹ Ўринбоев А. Неизвестная рукопись по истории Кокандского ханства. – С. 33.

⁴⁷² Вахидов Ш. Х. Источники использованные Аваз Муҳаммад Аттаром в сочинении «Тухфат ут-таворихи хони» (Тарихи джаҳонномойи) // Адабий мерос. 1989. №4. – С. 31-36.

Абу Ҳанафия Диновари (230^а, 449^а), «Низомут-таворих» («Тарихлар маржони» Байзавийники, 335^а), Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад Саолибийнинг «Йатимат ад-дахр фи маҳосини аҳли-л-аср (24^а, 286^б, 327^а, 360^а), «Одоб ал-араб ва-л-фурс» («Араб ва форс адабиёти» шайх Абу Али Мискавайҳники, 321^а), «Футух», «Китоби Футуҳи булдон» («Ўлкалар калити китоби» Ибн Асамники 199^а, 252^б, 477^а), «Мустасқисий ва таржимаи Мустасқисий» (164^а, 174^а, 175^а, 258^б) Жамолуддин ал-Ҳусайний ал-Муҳаддисники, «Равзат ал-аҳбоб» («Севишганлар бўстони» 163^а), «Жавомий ал-асрор ва маъдан ал-жавоҳир» («Асрор Мажмуаси ва маъдан жавоҳирлари» 356^б, 326^а, 369^а, 373^а, 377^а, 499^а), «Иърож ар-риёзат фи иърож ас-сиёсат («Сиёсат давонида риёзат мушкилоти» 366^б) ҳамда кўп Шарк шоирлари Низомий, Саъдий, Жомий, Ҳофиз, Восифий, Ҳофиз Таниш ва бошқа шоирлардан кўчирмалар келтирилган. Авазмуҳаммад Аттор асарининг охирги боблари Ҳакимхоннинг «Мунтахабут-таворих» асари асосида ёзилган. Н.Д.Миклухо-Маклай бу нусхани тавсиф қилар экан, шундай ёзади: «Тарихий манба сифатида бу асар мўайян бир аҳамиятга лойиқдир, унинг охирги қисмларида XIX аср Бухоро ва Қўқонга тегишли маълумотлар ва далиллар келтирилган. Бундан ташқари асар Ўрта Осиё, аниқроғи, Қўқон историографиясини ўрганиш учун муҳим манба сифатида кизиқарлидир»⁴⁷³.

Бу асар муаллиф кўлёмасидир (қар.: Хотима 835^а, вар.), Қўқонда кўчирилган бу асар настаълиқ хатида бўлиб, 843 варақдан иборат. 27,5x1565. 29 сатр. Қўқон қоғози, матни 21,5x10. 835-843 варақлар қисман бўш, қисман бегона матнлар билан тўлдирилган.

«Тарихи жаҳонамой» - иккинчи жилди. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг хазинасидаги нусха. №9455. Бу ҳам нодир ягона бир нусхада бизгача етиб келган. Асар Қўқон хонлигининг ташкил топиш вақтидан бошлаб, XIX асрнинг 60-йиллари охиригача бўлган тарихини баён этади. Бу асардан В.В.Наливкин кенг фойдаланиб, ўзининг «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» китобини ёзган. Бу нусхани у Авазмуҳаммаднинг ўғлидан олиб фойдалангани бизга маълум. Қўқон хонлиги тарихининг баёни 1867-1868 йил воқеалари, Самарқанднинг Россия қўшини томонидан босиб олиниши, Зирабулоқ жанги баёни билан тугайди. Асарнинг асосий боблари номи ва ёритилган муҳим воқеалар қуйидагилардан иборат:

Умумий мукаддимадан сўнг (1^б-15^б), Қўқон хонлигининг насаблари (шажаралари) баён этилади. Қўқон тарихнавислик анъаналарига биноан, Қўқон хонларининг келиб чиқиш қиссаси, яъни Олтин Бешик достони айтиб ўтилади (82^а-85^б)⁴⁷⁴. Ҳар бир боб (Гуфтор, достон, зикр) ҳоким ёки хон ҳаётининг бирор бир муҳим лаҳза ёки бошидан кечирган воқеа ёки ҳодисаларига бағишланган. Ҳар бир боб мантиқий хотимага эга бўлиб, хон ўлими билан тугаб, ўзининг структурасига эгадир. У анъанавий ташбиб (лирик кириш) қисмидан бошланиб ҳокимнинг фазилатлари тавсифидан иборат бўлиб, охири расаъ, яъни хон ўлимига бағишланган тарих, марсиялар билан охирига етган. Асарнинг Тошкент нусхаси унинг иккинчи вариантдан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Биринчидан, у «ғайрирасмий версия» сифатида то ўқувчилар учун битилган, у ўзининг ҳажми, факту далилларининг бойлиги, воқеаларнинг объектив баён этилиши, муаллифнинг эркин ҳолда у ёки бу тарихий воқеалар, шахсларга муносабатини баён этиши билан характерлидир. Асар композицияси муаллиф томонидан шундай тузилганки, унда биринчи жилддан фарқли ўлароқ таркибда қуйидаги масалалар ёритилади:

- Сўзбошида тарих илмининг ўрни аниқлаб берилган, олдинги тарихчиларнинг шахсиятлари ҳамда асарларига баҳо берилган, «келажак авлодга ёрқин эсдалик қолдириш» мақсад қилиб кўрсатилган.

- Худоёрхоннинг Бобур ва у орқали Темур ва чингизийларга қариндошлиги исботланади.

- Олтин бешик қиссаси ва унинг Минг қабиласи қизига уйланиши билан Қўқоннинг биринчи хонларининг тож-тахтга бўлган меросий даъволари исбот қилиб берилади.

- Тартиб билан Қўқон хонларининг тарихи, биринчи мингия бийлари даврдан бошлаб, охирги хон Худоёрхонгача баён этилиб, шу муддатда содир бўлган асосий ижтимоий ва сиёсий воқеалар баён этилган.

- Марказий ҳукумат тарихидан ташқари, хонликнинг вилоятлари Тошкент, Ўратепа, Шаҳрисабз, Наманган, Хўжанд, Қошғар, бир вақтлар Қўқонга тобе бўлган Тожикистоннинг баъзи вилоятлари (Қоратегин, Дарвоз, Бадахшон, Ўрметан, Кштут, Фароб), Бухоро амирлиги тарихига тегишли баъзи воқеалар баён қилинади. Шу ўлкалар тарихи, сиёсий ва хўжалик ҳаётларига тегишли маълумотлар келтирилади.

⁴⁷³ Миклухо - Маклай Н. Д. Описание таджикских и персидских рукописей Института востоковедения. Вып. III. – Москва-Ленинград, 1975. – С.154.

⁴⁷⁴ Вахидов Ш. Х. источники использованные Аваз Муҳаммад Аттаром в сочинении «Тухфат ут-таворихи хони» (Тарихи джахоннамойи) // Адабий мерос. 1989. – №4. – Б.32.

Асар Захириддин Муҳаммад Бобур давридан унинг Самарқандга қилган юриши, Шайбонийхон билан жанглари, мағлуб бўлиб қайтишидан бошланади. Кейин «Фарғона мулкида Бобурнинг иккинчи авлоди ҳукм сургани» ҳақидаги боби билан бошланади.

Асарнинг 38^а бетидан Абдурахимбий даври унинг Самарқанд, Миёнкол, Шахрисабзга юриш қилиб, у ерларни забт этиш, воқеалари баён қилинади. Кейин Абдулкаримбий ибн Шохрух бийнинг ҳукмронлиги, Эрдона бий ибн Раҳимхон, Унинг Ўратепага Фозилбий ибн Содикбийга қарши уюштирган юриши ва юзлар қабиласининг қирғини;

- Норбўтахон (1798 йили ўлган) даври. Чустга юриши, Хўжандни иккинчи марта забт этиши, Ўратепани Худоёрхон ибн Фозилбий валинеъмат тарафидан қўлга киритилиши, Норбўтахоннинг Тўра қўрғон ва Андижонга қилган юриши (34^б-36^а). Норбўтахоннинг Бухоро амирлиги билан муносабатлари;

- Олимхон ҳукмронлиги, унинг ички ва ташқи сиёсати, Исфара, Чуст, Тўра қўрғон, Жиззах, Ўратепа, Тошкентга қилгон юришлари ва унинг Сарой мавзеида ўлдирилиши (39^б-55^б) ҳикоя қилинган. Тавсиф қилинаётган қисм Хонзода Шохрух ибн амир Олимхон ўлими тафсилоти билан тамом бўлади (59^б-60^а).

Воқеалар баёни кўпинча насрий сажаъда бўлиб, матн ичидан шеърий парчалар ҳам ўрин олган. Шеърий парчалар байт, мисра, қитъа, фард, рубоий, назм, маснавий ёки «муаллифдан» деган ишора билан келтирилган.

Умархон (1810-1822) даври 34-бобда баён қилинади. Бу боблар Умархон насабномаси ва болалик даври, унинг хон бўлиб амир Ҳайдарга қарши Жиззахга қўшин тортгани, Умархоннинг Тошкент мулкида яшайдиган қозоқлар бошлиғи Қобилга қарши юриши (60^б-69^а). Қўқон ва Бухоро муносабатларига оид бир неча фасллар, Умархоннинг Урметан, Зомин, Туркистон ва Сайрамга лашкар тортгани ҳақида (77 б-82^а). Қўқоннинг Ўратепага қарши олиб борган урушлари (96^а-99^б). Ражаб қўшбегининг ўлдирилиши, Умархоннинг натижасиз Ўратепа, Жиззах ва Самарқандга қилган юриши (111^а-116^а). Тўқайтўра Қозокнинг қаршиликлари ҳақида ва охириги бобда Умархоннинг ўлими баён этилган. Шу қисмнинг охирида Авазмуҳаммад Фазлий Фарғонийнинг «Мажмуат уш-шуаро» асаридан парчалар келтирилган. Умархон вафотига бағишланган кўп таърихлар ва марсиялар ҳам шу бобдан ўрин олган (126^б-135^а).

Асарнинг яна бир қисми Муҳаммадалихон (1822-1842) га бағишланган бўлиб, 14 бобдан иборат. Булар Муҳаммадалихоннинг тахтга кўтарилиши (135^б-138^б). Ҳакимхон Тўранинг Тўра қўрғон волийлигидан олиниб, сургун қилиниши (138^а-141^б). Жаҳонгир Тўра воқеалари (141^б-146^а). Муҳаммадалихоннинг амир Ҳайдар билан бўлган муносабатлари, Ўратепага қарши навбатдаги юриши баёни, Қошғарга юриши, Муҳаммадшариф атоликнинг Қоратегин ва Кўхистонга қилган юриши, Муҳаммадалихоннинг Жиззахга лашкар тортгани ва Пешоғар қалъасининг қурилиши, Муҳаммадшариф Отоликнинг Ўратепага амир Насруллоҳга қарши бориши, Насруллоҳнинг Хўжанд ва Қўқонга қарши юриш қилиши, бу ўлкани тасарруфига киритиб, Муҳаммадалихон, унинг ўғли, акаси, онаси ва бошқаларни қатл қилинишидан (158^б-164^а) иборат.

Шундан кейин, асарнинг энг эътиборли ва ишонарли қисми бошланади. Шералихон даври, ҳар хил гуруҳ ва қабилаларнинг ҳукумат учун уруш ва қаршиликлари кўрсатилади (164^б-193^а).

Худоёрхон валинеъматнинг давлат тахтига ўтириши ва қипчоқларнинг Фарғона мулкига ҳужумлари (133^б-199^а). Тошкент ҳокими Азиз парвоначи воқеаларининг зикри, Мулло Холбек вазирлиги зикри, Мусулмонқулининг иккинчи марта давлат вазирлиги мансабига ўтириши (201^а-204^а). Муҳаммаддиёрнинг вазирлик мансабига кўтарилиши ва унинг даврида юз берган воқеалар (214-218^а). Худоёрхоннинг мустақил хонлик тахтига ўтириши, Шодмонхўжа парвоначининг Оқ масжид русларига қарши хон буйруғи билан чиқиб кетиши, унинг мағлуб бўлиб қайтиши (223 б-229^б). Қошғар тўралари: Эшонхон тўра, Халифахон тўра, Валихон тўра воқеалари зикри, уларнинг Қошғарга ҳужум қилиб вилоятни кофир-татарлар қўлидан тортиб олишлари (229^б-236^а). Рустамхон тўра Махдуми Аъзам билан боғлиқ Худоёрхон замонида юз берган воқеалар баёни (238^б-242^а). Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмаднинг бошидан кечирганлари, Ўратепа ҳокими Рустамбек тўранинг яна бир қаршилиги (243^б-246^а). Малла Баҳодурхоннинг Худоёрхонга қарши чиққани ва Аллоҳ инояти билан Қўқон мулкини босиб олиши ҳақида гапирилади (246^а-255^б). Амир Маллахоннинг Тошкентга келиши ва унинг ҳокими Рустамбекни Пишкак қалъасига русларга қарши буйруқ бериб юборгани, Саййид Малла Баҳодурхоннинг Ўратепага келиб, уни қамалга олиши, Маллахоннинг амир Музаффар Бухорий билан Зоминга келиб сулҳ тузиши, Тошкент ҳокими Қаноатшоҳнинг Жўлакка руслар ҳужумини дафъ этиш учун лашкар тортгани, Маллахонни русларга қарши боргани (265^б-270^б). Шоғмуродбек валинеъматнинг Абдурахмонбек ибн ШерМуҳаммадалихоннинг Қўқон салтанатига ўтириши ва унинг даврида юз берган воқеалар баёни (270^б-307^б). (Султон Саидхон) соҳибқироннинг

кайта лашкар билан Туркистонга бориши, Авлиёота аҳолисининг шаҳид бўлиши, русларнинг зулми ва уларга амирлашкар (Алимқул) томонидан жазо берилиши ҳақидаги (307^a-322^a), қипчоқларнинг Хўқонд тахтига ўз хонларини кўтаришлари Бухоро подшоҳи ва Худоёрхонинг Қўқонга келишлари ва (Худоёрхоннинг) давлат тахтига ўтириши (322^a-325^b). XIX аср 60-йиллари воқеалари таркибидан ўрин олган Шарқий Туркистон тарихига оид воқеалар, яъни «Яъқуббек бадавлат» номи билан боғлиқ ходисалар ҳам Авазмуҳаммад томонидан баён этилади.

Русларнинг Ўрта Осиёга бостириб келишлари ҳам жуда ишонарли тарзда ёзилган. Асарнинг охириги бобига китоб хотимаси берилиб, унга хон ҳазратлари Худоёрхон валинеъмат ҳамда «зафар кўрмаган Бухоро подшоҳси амир Музаффар ҳақида ва унинг даврида юз берган воқеалар» деган сарлавҳа берилган.

Юқорида айтганимиздек, асар 1868 йилги воқеалар билан охирига етган. «Тарихи жаҳонамой»нинг бу жилди охирида Қўқон хонларининг насабномаларини боши охирига тақаладиган айланма жадвал сифатида келтирилганки, у ҳам Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда маълум аҳамиятдан холи эмас.

«Тарихи жаҳонамой»нинг иккинчи жилди Қўқон тарихнавислик мактабининг ҳамда Қўқон историографиясининг аҳамиятини кўтарадиган қимматли асардир. Биринчидан, асар сарой ва ҳукуматга ҳеч алоқаси бўлмаган, бетараф оддий фуқаро томонидан ёзилган. Муаллиф сифатида Авазмуҳаммад ҳар хил тазйиқ ва кўрсатма ҳамда буюртма талабларидан озод эди. Асарнинг умумий руҳи ўша даврдаги сиёсий ва ижтимоий тузумга қарши бўлиб, унда муаллиф марказий ҳукумат сиёсати, ўзаро урушлар, Қўқон, Бухоро амирлари, русларнинг Туркистонни босиб олишларини қаттиқ қоралайди.

Қўқон тарихчиси Авазмуҳаммад Бухоро амири Музаффарни жуда ҳам қаттиқ танқид қилиб, Туркистон халқларининг бошига тушган кўп воқеаларда уни айбдор деб билади. Муаррих хулосасига қараганда, энг аввало амирнинг айби шуки, у русларга қаршилиқ қилмай, Фарғона ишларига аралашиб, уни бир неча марта талон-торож қилади. Иккинчидан, ёрдам баҳонасида амир қўқонликларни алдаб, уларни русларга қарши юбориб, ўзини четга олмоқчи бўлади. Икки юзламачилик сиёсатини олиб боради. Учинчидан, амир ва у атрофидагиларнинг фисқу фасодлари касофати ҳам Туркистоннинг инқирозига сабаб бўлади. Атторминг амирга бағишланган баъзи кайдларини келтирамиз:

«Бухоро амири кўрдик, Худоёрхон унинг сўзига кирмай, аксинча йўл тутди. Шунда у кофирлар урушини қўйиб, қаҳру ғазаб ва ёмон ният билан Хўқонди латиф тарафига назар солди. У вилоятнинг бадбахт уламолари ҳам ўлкамиз кишиларининг қонларини тўкиб, бола-чақаларини асир этиб, уларни сотишга ҳам ижозат бериб, ривоят топиб, фатво чиқардилар. Бундай қилу қоллар учун қўллар синсин!

Амир ҳам афъий (заҳарли) илондек ёйга ўхшаб буралиб, Лакат мавзеига келди. Бу мустазод рубоий унга айтилган.

Рубоий:

Риши ту ки қомати туро пинҳон кард, эй мардакаи хар,
Аз риши ту сад риши дигар битвон кард, аз рўйи ҳунар.
Аз риши ту як кўҳна жуволе бофанд, пашмини калон,
Ўро ба ҳазор гўз пур натвон кард риханд магар.

Таржимаси:

Эй эшак! Қадди-қоматингни яширган сенинг соқолингдан, ҳунармандлар яна юзта соқол яшашлари мумкин. Ёки бир эски жунли жувол (қоп) тикишлари мумкин. Уни фақат ахлат билан тўлдирса бўлади].

Икки ойгача у (амир) шу мавзеда ётиб, ҳар куни фаҳш ва баччабозлик билан базму тараб ва фисқу фужур мажлисида машғул бўлди. Дунёнинг ношоиста ишлари билан шуғулланиб, мурдор бўлди. Кеча-кундуз ўзининг нодонлиги ва жаҳолатидан кофирлардан беш фарсах узоқлигида ётиб, номаъқул ишлар қилиб, халойиқнинг хотин-қизларига зўравонлик кўрсатди...

Бунинг устига хон жанобларига кетма-кет одам юбориб урушга ундарди. Хон эса унинг сўзига кирмасди...

Манғитлар анча йилдан бери жанг кўрмай халқнинг текин нонини еб-ичиб юрдилар, бундай урушнинг уларнинг на ўзлари на ота-боболари кўрган эди. Шунинг учун ҳам кофирлар ҳужумидан орқаларига қарамай қочиб кетдилар. Ҳез бўлсанг ҳам катта бўл, деганларидек, Бухоро подшоҳси бир фарсанг масофада туриб урушни дурбин билан томоша қиларди. Кофирларнинг ўқлари гаранг манғитлар бошига қору дўлдек ёғиларди. Ислом лашкари чўлу саҳрога тарқалиб кетди.

Маснавий:

Чу шоҳий ба шоҳ Музаффар расид,
Шукуҳе дар он хонадон кас надид.
Шукуҳе намонда дар он хонадон,
Ки бонги хурус омад аз мокиён.
[
Шоҳлик шоҳ Музаффарга етгани замон,
Ул хонадон шавкатидан кўрмади ҳеч ким нишон.
Ул синовдан ўтган мақол сўзини эслаб кўр,
Жаҳон кўрган эраннинг назмини ўқиб, бил:
Сира шавкат қолмади ул хонадонда,
Мокиёндан хўроз товуши чиққан онда].

Чун подшоҳи ҳез бу ходисанинг дард аламини кўрди, тоқати қолмай, жомаси ва этигини ҳам киймай, юз минг ҳасрат ва алам билан отга минди-да, аср намози вақтида Жиззах сари йўл олди... Ҳатто бирор киши ҳам шу ҳези куслеси, тахта пушту лахта гарданга ўхшаб шундай саранжомсиз ходисага гирифтор бўлмасин! Ото-боболардан қолган шунча қадимий салтанатни, Бухоро оғзи катта аҳолисанинг фаҳри бўлмиш обрўни, қурол-аслаҳа, тўплар, шоҳона асбоб ва ускуналар билан ташлаб қочди. Айниқса, унинг дилбанд маъшуқалари шундай тўп ва одамлар оёқлари остида қолиб қадрсиз бўлдилар.

Қитъа:

Рише ки дори агар танобаш гиранд,
Сад тўли амл пашм ҳисобаш гиранд.
Бар хирс расад агар закоти мўё,
Хирсон ҳама соҳибнасобаш гиранд.

[Агарда соқолингни ўлчасалар, юз қопга яқин жун бўлади. Агар айиқлар ҳам закот тўласалар эди, уларга бу (амир) соҳибнасаб бўларди, яъни фақат унинг жунидан солиқ олса бўларди.

Бу воқеа муҳаррам ал-ҳаром ойининг 7 куни, сана 1283 (22 май 1866) йили юз берди».

Авазмуҳаммаднинг бу ёзганлари ўша замон одамларининг тарихий воқеаларга бўлган психологик-ҳиссий аҳволларидан дарак беради. Халқнинг бошдан кечирган дарду алами, қайғуси, армон ва афсуслари тарихчи Авазмуҳаммад Аттордек кишиларнинг асарларида, шоирларнинг шеърларида ўз аскини топган. Шунинг учун ҳам тарихий асарларнинг эмоционал-психик асослари, илҳом манбалари ва кесатикларига аҳамият бериш, тарихий матнлар талқинининг алоҳида бир изланиш соҳаси бўлди, деса бўлади.

Авазмуҳаммад Атторнинг «Тухфатут-таворихи хоний» (Хонга шоҳона тарихий тухфа) асарининг таҳлил ва тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бу нусха «Тарихи жаҳонамой» асарининг иккинчи жилдининг муаллифи томонидан ўзгартирилган варианты, янги таҳриридир. Бу нусха С 440 рақами остида Русия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлимида сақланади. Бу асар хон ёки унинг аждодларига мансуб бирор бир хонзодага мўлжал қилиб, тухфа сифатида битилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Асар фактлар ва тарихий ҳодисаларнинг ёзилиш тартиби билан «Тарихи жаҳонамой» иккинчи жилдидан фарқ қилмаса ҳам ғоявий жиҳатлари, муаллифнинг баҳо ва хулосалари ўзгача. Тошкент нусхасига қараганда, анча сайқал берилган шаклда келтирилган. Унда Худоёрхон ва Бухоро амирларига қарши биринчи вариантда ёзилган ҳажв ва танқидий ғоялар, фикрлар йўқ.

Ҳамда «Тарихи жаҳонамой» иккинчи жилдидан ўрин олган баъзи боблар (масалан, Маллахон даври, Ўратепа ҳокими Русмабек юз воқеалари) «Тухфатут-таворихи хоний» га кирмаган.

Асарни В.В.Бартольд Фарғона вилояти маъмуриятининг таржимони О.У. Казбековдан сотиб олган ва Русия Фанлар Академиясининг Ўрта Осиё музейига берган.

Ўлчови 26,5x14,5, 360 варақ. 17-21 сатр. Матн 19x10 ва 21x12 Қўқон қоғози. Матн қора сиёҳда, бобларнинг номи қизил рангда кўчирилган. Қўқон муқовасида.

IV.I. 16. Мулло Ниёзмуҳаммад Хўқандий ва унинг «Ибрат ул-хавоқин» (Тарихи Шохрухий) асари.

Қўқон хонлиги Марказий Осиёда шаклланган ва узоқ муддат минтақанинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган учта хонликлардан биридир. Бу хонликга 1709 йили минг сулоласининг пешвоси Шохрухбий асос солган. Шохрухбийнинг ворислари Қўқон

хонлигида 1876 йилнинг феврал ойигача ҳукмронлик қилганлар. Айти шу вақтда хонлик Россия империяси кўшинлари томонидан бутунлай босиб олиниб, унга барҳам берилди.

Кўқон хонлигининг ўтмиши ва тарихига оид маҳаллий муаллифларнинг асарлари анчагина. Улар ўзбек ҳамда тожик тилида ёзилган. Бу тарихий манбаларда хонлик тарихининг турли жиҳатлари кенг ёритилган бўлиб, улар асосан мустақиллик йилларида ўрганилиб, илмий муомалага киритилмоқда.

Илмда энг кўп ўрганилган, бироқ ўзбек тилига таржима этилмаган асарлардан бири “Тарихи Шоҳрухий” ҳисобланади. Мазкур асарнинг муаллиф кўлёмаси нусхаси топилиши биланоқ уни ўзбек тилига таржима этишга киришдик.

Мазкур асарнинг кўлёмасини 1876 йили рус олими Н.Н. Пантусов Кўқонда топган ва унинг икки нусхасини генерал Г.А. Колпаковский сотиб олган. Унинг бир нусхаси тўлиқ эмас, иккинчиси эса, муаллиф кўлёмасининг биринчи варианты экани маълум бўлди. Тадқиқот шуни кўрсатдики, бу асарнинг асл номини муаллифи тошбосма нашридан кейин “Ибратул-хавоқин” (“Хонларга ибрат”) деб атаган. Бироқ, у ҳозиргача “Тарихи Шоҳрухий” номи билан аталиб келган ва шу ном билан 1886 йили Қозон шаҳрида Н.Н. Пантусов тарафидан тошбосма шаклида ҳам чоп этилган. Барча олимлар ва тадқиқотчилар орасида мазкур “Ибратул-хавоқин” асари “Тарихи Шоҳрухий” номи билан (асарнинг биринчи фасли номидан олинган ҳолда) шуҳрат топган.

Асар муаллифи. “Ибратул-хавоқин” асарининг муаллифи Мулло Ниёзмухаммад Хўқандий (тахаллуси Ниёзий ва Икромий) мулло Ашурмухаммад оиласида, барча олимларнинг тахминича, 1804-1805 йили таваллуд топган. Унинг бобоси Ғарибдўст Қаротегин тожикларидан бўлиб, Норбўтахон (1770–1798 йил) кўшинида хизмат қилган. Ниёзмухаммаднинг отаси, амакиси ва акалари ҳам Кўқон хонларининг кўшинларида ҳарбий хизматда бўлганлар. Тарихчи Ниёзмухаммаднинг бобоси Ғарибдўст ясовул 1821 йилнинг бошларида Жиззах юришида иштирок этиб, ҳалок бўлади.

Ниёзмухаммад ҳам ҳарбий хизматга ўтишидан олдин Кўқондаги Ҳаммом мадрасасида таълим олади. У домулло Ориф Пискатийнинг ўғли Махдуми Ҳаммомнинг шогирди бўлган. «Тарихи Шоҳрухий» маълумотларига қараганда, Ниёзмухаммад нақшбандия тариқатига кирган солиқ бўлиб, домулло Махдумнинг муридларидан бўлган. Домулло Махдум эса домулло қози Бобойи аъламнинг отаси бўлган. Домулло Махдум ўша вақтларда Фарғонанинг энг машҳур муршид ҳазрати Соҳибзоданинг (ваф. 1869) муридларидан бири эди.

Ниёзмухаммад Кўқон ҳукмдорларининг кўп ҳарбий юришларида қатнашиб, 1860 йилларнинг ўрталарида ҳарбий хизматдан четлашади ва атторлик билан шуғулланади⁴⁷⁵. Қозоғистонлик олим Т.К. Бейсембиев жамлаган маълумотларига таяниб, Ниёзмухаммад тахминан 1877 йили оламдан ўтган, деб кўрсатган. Бироқ, кўлимизда бўлган муаллиф нусхасида Ниёзмухаммад 1889 йили ҳам тирик экани маълум бўлади.

«Ибратул-хавоқин» маълумотлари орқали биламизки, Ниёзмухаммад фозил ва донишманд киши саналиб, замонасининг илму маданиятидан баҳраманд бўлган олим ва шоир эди. У ёзиб кетган тарихий асарлар Кўқон тарихнавислик мактаби аҳамиятини баҳолашда муайян аҳамиятга эга.

«Ибратул-хавоқин» ҳижрий 1288–1307, милодий 1871–72/1889–1890 йили тожик ва ўзбек тилларида Худоёрхон фармони билан ёзилгани маълум бўлди. Н.Н.Пантусовнинг тахминича, Ниёзмухаммад ўз асарининг биринчи нусхасини Худоёрхон буйруғи билан қайтадан таҳрир қилиб, иккинчи нусхасини ҳам тузган. Н.Н.Пантусов таъбирича, асарнинг биринчи нусхаси анча объектив ёзилган асар бўлган⁴⁷⁶. «Тарихи Шоҳрухий» тадқиқотчиси Т.К.Бейсембиев хулосасига қараганда, Ниёзмухаммад асарни хон руҳи ва талабига мослаб ёзишда моддий рағбатлантиришни ҳам кутган бўлиши мумкин. Кўлимиздаги асар нусхасидан маълум бўладики, Мулло Ниёзмухаммад ўз асарининг учинчи вариантини ҳам тузган.

Асар нусхалари. “Тарихи Шоҳрухий” ёки “Тарихи Шоҳрухия” номи билан илмда шуҳрат топган “Ибратул-хавоқин” асарининг тошбосма нусхасидан ташқари 12 та нусхаси мавжуд. Улар Санкт-Петербург, Қозон, Тошкент, Душанбе, Париж кутубхоналарида ҳамда шахсий фондларда сақланади. Мазкур нусхаларнинг тавсифини Т.К. Бейсембиев ўз тадқиқот ишларида ва китобида берган (С.34–39). Бироқ, кўлимиздаги нусха бирор-бир каталог ва илмий тадқиқотларда қайд қилинмагани боис, унинг тавсифини қуйида берамиз.

⁴⁷⁵ Авазмухаммад Аттор Хўқандий. Тарихи жаҳоннамой, II жилд // Ўз Р ФА ШИ фонди. – №9455. 76^б варак.; Бейсембиев Т. К. Тарих-и Шахрухи – как исторический источник. – Алма-Ата, 1987. – С. 29.

⁴⁷⁶ Пантусов Н.Н. Теварихи-Шахрухия // Туркестанские ведомости, 1876. – 30. – С.

“Ибратул-хавоқин” асарининг мазкур нусхасини 2006 йили, мен–Шодмон Воҳидов, Наманган шаҳрида тарих фанлари доктори, профессор Зоир Чориев таклифига кўра сотиб олганман. Ҳозир ҳам мазкур нусха марҳум олимнинг кутубхонасида сақланади.

“Ибратул-хавоқин” асарининг мазкур янги нусхаси, муаллифи дастхати бўлиши мумкин. Асар кўлёзма китобнинг ўрталаридан бошлаб кўчирилган. Китоб бошларидаги 85 варақда турли ёзув ва кайдлар, баёзга менгзаган турли шоирларнинг шеърлари ва латифалар кўчирилган. Хати настаълиқ, темир қалам билан рус фабрика қоғозида (Успенская фабрика, №7), қора сиёҳда кўчирилган. Баъзи ажратилган сўз ва жумлалар қизил рангда. Саҳифада 19 сатр. Матн 16x11,5. Қоғози 22x17,5. Пайгирлари мавжуд. Муқоваси мағзий (картон)дан. Қорамтир абрий қоғоз билан рўқач қилинган. Жами 128 варақ. Ўртада бир варақ тушиб қолган. Мазкур нусхада мавжуд бўлган муқаддима бошқа бирор-бир нусха ёки тошбосма нусхасида йўқ. Айти шу нусхада асарнинг “Ибратул-хавоқин” деб номланишини муаллиф алоҳида кўрсатган. Бундан ташқари, мазкур нусхада муаллиф ҳижрий 1307/1889–1890 йилгача ҳаёт эканини билиш мумкин. Муқаддимада муаллиф: “... бу қисқа идрокли ноқис ... банд бу фаррухобод Турон мулки султонлари аҳволлари ва ахборлари ва улар замонида рўй берган ҳодисаларни ва, айниқса, Норбўтахон замонидан то ушбу ҳижрий бир минг уч юз еттинчи йилгача, камина зоҳир кўзи ва ҳозир қулоғи билан кўриб-эшитган нарсаларини ва уларнинг қиссаларини варақлар саҳифаларига битиб, китобат тизимига терди”, деган эътирофидаёқ асар тошбосма нашридан сўнг ҳам қайта-қайта таҳрир қилинганини фаҳмлаймиз. Бироқ, ушбу нусхада ҳам воқеалар баёни 1871 йил воқеалари, Ўрмонбекнинг тўйи васфи билан тугаган. Айти шу маълумот асар муаллифининг туғилган йили анча кейин эканинига далолат қилади.

2012 йили узок бир қариндошимиз бобосидан қолган бир ўрам эски кўлёзма ва тошбосма китобларни сотиш учун менга олиб келди. Уларнинг ичида “Тарихи Шоҳрухий” асарининг 1878 йили нашрга тайёрланган ва китоб шаклига келтирилган корректура нусхаси ҳам бор эди. Асарни таҳрир қилган шахснинг имзоси асосида, унинг номи ва исми шарифидан фақат И. Готвальдлиги маълум⁴⁷⁷. Асарни таҳрир қилган киши (цензор) жуда ҳам саводли ва таҳрир иши юқори даражада бажарилгани асарнинг саҳифаларидан кўзга ташланади. Хатолар ва кўзга ташланган камчиликлар хошияда кўрсатилган ва “тўғрилансин ва чоп этилсин” деган ёзув ва имзода вақт-вақти билан таъкидланган. 320 бетдан иборат асарнинг охириги бетлари йўқолган. Мазкур нусханинг титул варағида “800 нусхада босилсин” ҳамда “Бу китоб босмасина рухсат берилди ағуст 21 кунида 1878 йил” деган ёзув ҳам бор. Бироқ, ушбу матнни ким нашрга тайёрлагани маълум эмас. 1878 йилдаги матнни Н.Н. Пантусов нашри билан солиштирилганда нашр билан ушбу матн бир хил экани маълум бўлди. Худди шундай босмага тайёрланган нусха Қозон университети кутубхонасида “Готвальд, 39” шифри билан сақлангани маълум⁴⁷⁸. Шуниси ҳам маълумки, Н.Н. Пантусов нашрида хатолар жуда кўп. Таҳрирда кўрсатилган кўп хатоликлар такрор келган.

Бироқ, қўлимиздаги Зоир Чориев кутубхонасидаги “Ибратул-хавоқин” (Тарихи Шоҳрухий) нусхаси тошбосма вариантдан анча фарқ қилади. Тошбосма ва кўлёзма нусхалари асосида мазкур асарнинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш зарурлиги долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўрганилиши. Қўқон тарихнавислик мактаби асарлари ичида бироз чуқурроқ илмий муомалага киритилган асар «Ибратул-хавоқин» бўлади. Бу асарнинг тадқиқотчилар орасида кенг шуҳрат топишига асосий сабаб, Қўқон тарихчиларининг кўп асарлари илмий муомалага киритилмасдан 120 йилча олдин, яъни 1886 йили Н.Н.Пантусов Қозонда тошбосма усулида нашр қилганидир. Шунинг учун ҳам аксар олимлар айти шу нашрдан фойдаланганлари маълум бўлади. Асарнинг шу нашри ва бошқа кўлёзма нусхаларидан олимлар – Н.Н.Пантусов⁴⁷⁹, Д.Ч. Боулжер (D.C.Boulger)⁴⁸⁰, В.В.Бартольд⁴⁸¹, Н.Г.Малицкий⁴⁸², М.А. Терентьев⁴⁸³, В.Наливкин⁴⁸⁴, Н. Веселовский⁴⁸⁵, Л.А.

⁴⁷⁷ Готвальд И.Ф. рус шарқшуноси, Қозон университетининг профессори (1813–1897). У Қозон университетининг босмахонасида араб ёзувидаги китобларга муҳаррир-цензор ҳам бўлгани маълум бўлади.

⁴⁷⁸ Қаранг: Бейсембиев Т. К. Тарих-и Шаҳрухи как исторический источник. – Алма-Ата: Наука, 1987. – С.35.

⁴⁷⁹ Пантусов Н. О податях и повинностях существовавших в бившем Кокандском ханстве в последнее время правления Худаярхана. // Туркестанские Ведомости. – № 13. 1876.; Шу муаллиф. Податные сборы в Коканде. // ТВ, 1876. – №13.; Шу муаллиф. Сборы и пошлины в бившем Кокандском ханстве. // ТВ, 1876. – № 17; Тарихи Шаҳрухия. // Туркестанские ведомости, 1879. – 50 (Известия и заметки). Таарих Шаҳрохи. История владетелей Ферганы. Сочинение Моллы Ниязи Мухаммед бен Ашур Мухаммед, хокандца, изданная Н.Н. Пантусовым. – Казань, 1885.

⁴⁸⁰ Boulger D.C. Central Asian portraits: the celebrities of the khanates and the neighbouring states. – London, 1880. P.168-178.

⁴⁸¹ Бартольд В.В. Туземец о русском завоевании / Сочинение. Т. II. Ч.2. – Москва: Наука, 1964. – С. 333-349. Шу муаллиф. Извлечение из Та’рих-и Шаҳрухи / Сочинение. Т. II. Ч.2. – Москва: Наука, 1964. – С. 351.; Шу муаллиф. Иран: исторический обзор / Сочинение. Т. I. – Москва: Наука, 1971. – С.308.

⁴⁸² Малицкий Н. Несколько страниц из истории Ташкента за последнее столетие // ПТКЛА. Год третий. 1898. – С.160-164, 176.

Зимин⁴⁸⁶, А.З.Валидов⁴⁸⁷, П. Солиев⁴⁸⁸, П.П. Иванов⁴⁸⁹, Н.А. Кисляков⁴⁹⁰, Б.Ғ. Гафуров⁴⁹¹, А.Р. Муҳаммаджонов ва Т. Неъматов⁴⁹², С. Жалилов⁴⁹³, Е.Б.Бекмаханов⁴⁹⁴, А.М. Мухторов⁴⁹⁵, В.М. Плоских⁴⁹⁶, А.Л. Троицкая⁴⁹⁷, Р.Н. Набиев⁴⁹⁸, А. Жувонмардиев⁴⁹⁹, В.А.Ромодин⁵⁰⁰, М.К. Кутлугов⁵⁰¹, А. Тоҳиржонов⁵⁰², А.П. Қаюмов⁵⁰³, Н.Д. Миклухо-Маклай⁵⁰⁴, Ч.А. Стори⁵⁰⁵, Б.А. Аҳмедов⁵⁰⁶, А. Набиев⁵⁰⁷, Б.В. Лунин⁵⁰⁸ ва бошқалар⁵⁰⁹ фойдаланган ёки уни тилга олганлар. Қозоғистон олими эса Т.К. Бейсембиев “Ибратул-хавоқин” устида махсус изланишлар олиб борган.

Бутун XX аср давомида Қўқон хонлиги тарихи билан машғул бўлган тадқиқотчилар, кўпинча шу асарнинг тошбосмасидан фойдаланганлар ёки унинг маълумотларини бошқа олимлар ишларидан олганлар. Т.К. Бейсембиев эса, ўзининг тадқиқотларида мазкур асарга бироз ортиқча баҳо берган бўлса-да, уни таржима қилмаган. Асарнинг умумий мазмунини баён қилиш билан чекланган. Айтиш лозимки, “Ибратул-хавоқин” асарининг катта аҳамияти ва юқори мавқеини ўз вақтида В.В. Бартольд,

⁴⁸³ Терентьев М.А. Загадочный таарих // ПТКЛА. Год IV. 1899. – С.85.

⁴⁸⁴ Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казан. 1885. – С. 79.

⁴⁸⁵ Веселовский Н. Рец. Краткая история Кокандского ханства. Составил В. Наливкин. Казань, 1886, VI+215 с. // ЗВОРАО. – СПб., 1886. Т.1. Вып. III. – С.227-228.; Шу муаллиф. Новые материалы для истории Кокандского ханства // Журнал Министерства народного просвещения. – СПб., 1886. Ноябрь. Ч.248. – С.175-176.

⁴⁸⁶ Зимин Л. А. Первые шаги Алимхана на государственном поприще // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. Год. 18-й. – Петроград, 1915. – С.106-108.

⁴⁸⁷ Валидов А.З. Некоторые данные по истории Ферганы столетия // ПТКЛА. Год двадцатый. 1916. Вып.2. – С.84-85, 111.

⁴⁸⁸ Saliyif Polat. Ozbekistan tarixi (XV-XIX-inci asrlar). – Samarqand-Taskent, 1929. – С.107.

⁴⁸⁹ Иванов П.П. Казахи и Кокандское ханство (К истории их взаимоотношений в начале XIX в.) // Записки ИВ АН СССР. Т. VII. – Москва-Ленинград, 1939.– С. 94, 103, 107, 110.; Шу муаллиф. . Очерки по истории Средней Азии.(XVI – середина XIX в.в.). – Москва, 1958. – С. 231.

⁴⁹⁰ Кисляков Н.А. Очерки по истории Каратегина: К истории Таджикистана. – Сталинабад-Ленинград, 1941. – С. 88, 90-91.; Шу муаллиф. Очерки по истории Каратегина: К истории Таджикистана. – Сталинабад, 1954. – С.51-53.

⁴⁹¹ Гафуров Б.Ғ. история таджикского народа в кратком изложении. Т.1. – Москва, 1952. – С. 490.; Шу муаллиф. История таджикского народа в кратком изложении. – Москва, 3-е изд. 1955. – С.533.; Шу муаллиф. Таджики. – Москва: Наука, 1972. – 607.

⁴⁹² Муҳаммаджонов А.Р. ва Неъматов Т. Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. – Тошкент, 1957. – С.214.

⁴⁹³ Жалилов С. Из истории освоения земель восточных районов Ферганской долины (– начало XX века). Автореферат дисс. канд. ист. наук. – Ташкент: ИИ АН РУз. 1965. – С. 9.

⁴⁹⁴ Бекмаханов Р. К. К истории взаимоотношений казахов со среднеазиатскими ханствами // Большевик Казахстана. 1947. № 5. – С. 5; Шу муаллиф. Казахстан в 20-40 годы XIX века. – Алмаата: Госиздат, 1947. – С.16, 156-158; Шу муаллиф. Очерки истории Казахстана XIX в. – Алмаата: Мектеп. 1966. – 191 С.Шу муаллиф. Присоединение Казахстана к России. – Москва, 1957. – С. 99.

⁴⁹⁵ Мухтаров А. Дильшод и ее место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX – начала XX в. – Душанбе: Ирфон, 1969. – С.73.; Шу муаллиф. Очерк истории Ура-Тюбинского владения в XIX веке. – Душанбе: Изд-во АН Тадж.ССР, 1964. – С. 43-44.

⁴⁹⁶ Плоских В. М. Киргизы и Кокандское ханство. – Фрунзе:Илим, 1977. – С. 26-59.

⁴⁹⁷ Троицкая А.Л. Несколько документов по военному делу из архива кокандских ханов века / Восточный сборник. – Москва, 1972. Вып.3. – С.139.

⁴⁹⁸ Набиев Р.Н. уникальный источник по истории Кокандского ханства // Известия АН Уз ССР, 1947. – №4. – С.34.; Шу муаллиф. Ташкентское восстание 1847 года и её социально-экономические предпосылки. Ташкент: Фан, 1966, – С.14, 19, 29, 31, 55, 56, 71, 77, 78.; Шу муаллиф. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худаярхана). – Ташкент: Фан, 1973. – С. 9, 32, 55-56, 58, 76, 106, 168, 199-200.

⁴⁹⁹ Жувонмардиев А. Ҳарфлар рақамларга айлаганда. – Тошкент, 1966. – С. 26, 35, 36, 57.

⁵⁰⁰ Ромодин В.А. и Контратьев А.А. Опыт сопоставления сведений из китайских, кокандских и русских источников по истории Киргизии // Советское востоковедение, 1958. – №4. – С.131. Мазкур асарни рус тилига В.А. Ромодин таржима қилгани ҳақида маълумот мавжуд. Қаранг: Плоских В.М. Киргизы и Кокандское ханство. – Фрунзе, 1977. – С.59.

⁵⁰¹ Кутлугов М. Взаимоотношения Цинского Китая с Кокандским ханством. / Китай соседи. – Москва:Наука, 1982. – С.203.

⁵⁰² Тагирджанов А. Описание таджикских и персидских рукописей восточного отдела библиотеки ЛГУ. Т. 1. История, биография, география. – Л.: Изд-во Ленинградского Университета. 1962. – С. 143-144.

⁵⁰³ Қаюмов А.П. Қўқон адабий мухити (XVIII – XIX асрлар). – Тошкент, 1961. – Б.312-313.

⁵⁰⁴ Миклухо-Маклай Н. Д. Описание таджикских и персидских рукописей Института востоковедения. Вып. III. Исторические сочинения.– Москва-Ленинград, 1975. – С.331-332.

⁵⁰⁵ Стори Ч. А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. В трех частях. / Перевод, дополнения, указатели Ю.Брегеля. – часть 2. – Москва: Наука, 1972. – С.1197-1198.

⁵⁰⁶ Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв (Письменные памятники). – Ташкент: Фан, 1985. – С. 127-129.

⁵⁰⁷ Набиев А. Тарихий ўлкашунослик (ўлкани ўрганишнинг асосий манбалари). – Тошкент, 1979. – Б.12.

⁵⁰⁸ Лунин Б. В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Фан, 1965. – С. 135-136, 233-234; Шу муаллиф. Жизнь и деятельность В. В. Бартольда / Средняя Азия в отечественном востоковедении. – Ташкент. 1981. – С. 45-46.

⁵⁰⁹ Асарнинг ўрганилиши тарихи Т.К. Бейсембиевнинг кўрсатилган асари (34-39 бетлар) ҳамда Ш.Воҳидовнинг “Қўқон хонлигида тарихнавислик” (Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.127-130) номли монографиясида янада кенгрок берилган.

Н.Маллицкий, Л.А. Зимин, Э.Хуршут ҳам шубҳа остига олган эдилар. Тадқиқотларнинг таҳлили, асарнинг таржимаси ва унинг маълумотларининг қиёсий ўрганилиши қисман бу шубҳалар асосли эканини кўрсатди.

Таъкидланганидек, Қўқон тарихнавислик мактабига мансуб бўлган бу асарнинг тошбосма нашри боис, у олимлар доирасида анча кенг тарқалишига сабаб бўлган. Бироқ, бугунги кунда Қўқон тарихнавислик мактабига доир бир қанча асарларнинг нашри, таржималари ва уларнинг устида олиб борилган тадқиқотлар “Тарихи Шоҳрухий”(Ибратул-хавоқин) асарининг қийматини анча пасайтириб қўйиши табиий. Бугунги кунгача Қўқон тарихнавислик мактаби вакилларидадан бўлмиш Муҳаммадҳакимхоннинг “Мунтахабут-таворих” асари, Авазмуҳаммад Атторнинг “Тарихи жаҳоннамой” асари, Мирзо Олим ибн Мирзо Раҳим Тошкандийнинг “Ансобус-салотин ва таворихул-хавоқин” китоби (рус тилида ҳамда мухтасар табдили), Муҳаммадюнусжон Шиғовулнинг асарлари, Муҳаммадумар Умидийнинг “Тарихчаи Туроний” асари, Мулло Олим Махдум Ҳожийнинг “Тарихи Туркистон”и, Муҳаммадҳак Фарғонийнинг “Тарихи Азизий” асари, Ибратнинг “Тарихи Фарғона”, Худоёрхонзоданинг “Анжумат-таворих” китоби таржима ёки табдил шаклида чоп этилган. Натижада, Ниёзмуҳаммаднинг мазкур “Ибратул-хавоқин” асарининг камчилик ва ижобий жиҳатлари ҳам яққол кўзга ташланмоғи табиий. Бу ҳолни Қўқон тарихи билан машғул бўлганлар асар таржимасидан билиб олишлари мумкин.

Асарнинг айни 1307/1889–1890 ҳижрий йилида қайта ишланган нусхаси асар номи “Ибратул-хавоқин” эканини, муаллиф 1889 йилдан кейин ҳам тирик эканини исботлайди. Худоёрхон буйруғи билан ёзилган мазкур асарнинг биринчи нусхаси 1871–1872 йилларда хонга топширган, лекин муаллиф яна узоқ йиллар ўз асари устида ишлаган, уни кўп жойларини тўлдиргани. Худоёрхонга бағишланган кўп мадҳиялари ҳам бу нусхада йўқ. Мазкур нусхада муаллиф хонликдаги ички низо ва жанжаллар боис, хонлик қўлдан кетганини танқид қилади, бошбошдоқликдан жирканади, ғафлатда қолган Туркистон халқларини ўз келажакларига бефарқ қараганликлари учун қоралайди. Барча хонлик ҳукмдорларини иттифоқсизлик ва тарқоқликка айблаб, бир бўлишиб душманга қарши чиқмаганларидан афсусланади. Уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчиликни танқид қилади.

Умумий мазмуни. «Ибратул-хавоқин» Қўқон хонлиги тарихини ташкил топишидан бошлаб XIX асрнинг 70-йиллари бошларигача баён қилади. Хонлик тарихининг асосий даврлари баъзан қисқа, баъзан муфассал баён этилган. Асарнинг матни комплятив (XIX асрнинг 40 йилларигача) ва оригинал (муаллиф даври) қисмларга (XIX асрнинг 40-70 йилларигача) бўлинади.

Дебочадан кейин асарда Олтин бешик қиссаси келтирилади. Сўнг дастлабки Қўқон хонлиги биринчи ҳукмдорларининг даврлари Норбўтахонгача баён этилган. Кейинги боблар қуйидаги мавзуларни ўз ичига олган.

Олимхон даври. Олимхоннинг тахтга ўтириши, унинг Ўратепа, Жиззах, Тошкент ва Дашти қипчоққа уюштирилган юришлари, Девона Сўфининг жаҳр вақтида Олимхонга қилган суиқасди, Олимхоннинг ўлими;

- Умархон даври;
- Муҳаммадалихон даври;
- Шералихон ҳукумати;
- Худоёрхоннинг биринчи хонлиги;
- Маллахон ҳукумати.

1862–1865 йиллар воқеаларининг тафсилотларида Ниёзмуҳаммад Худоёрхоннинг қирғиз-қипчоқ қабилалари билан олиб борган урушлари, Бухоро амирининг Фарғона ўлкасини забт этиши, Алимқули амир лашкарнинг ҳукмдорлиги, хонликни Русия томонидан босиб олиниши, Чимкент мудофааси, Тошкент ҳимояси ва руслар томонидан босиб олиниши воқеалари баён этилган. Шу бобда Худоёрхоннинг 1865 йили, учинчи маротаба Қўқонда хон кўтарилиши ҳам ўрин олган.

Асарнинг охириги қисмлари маддоҳона ва мақтов руҳда ёзилган бўлиб, 1871 йилгача бўлган баъзи ижтимоий-сиёсий воқеаларга бағишланган.

«Ибратул-хавоқин» асарининг қиммати шундаки, Қўқон тарихи, унда юз берган баъзи ижтимоий-сиёсий воқеалар, жанглар ўрта табақага мансуб бўлган киши томонидан, кўп тарихий воқеаларнинг иштирокчиси ва гувоҳи томонидан ёзилган ва таҳлил этилган.

«Ибратул-хавоқин» кейинги даврларда ёзилган тарихий асарлар: Отабекнинг «Муфассали тарихи Фарғона» унинг ўғли Муҳаммадфозилбек томонидан битилган «Мукаммали тарихи Фарғона», Мулло Олим ибн Мирзо Раҳим Тошкандийнинг «Ансобус-салотин ва таворихи ал-хавоқин» асари, Муҳаммадсолиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд», Мулло Олим Махдум Ҳожий тузган «Тарихи Туркистон», Мулло Мусо Сайрабийнинг «Тарихи аминия», Исҳоқхоннинг «Тарихи

Фарғона» асари, Маҳмуд Ҳаким Сайфони-Яйпонийнинг «Хулосатут-таворих», «Тарихчаи Туроний» асарлари учун манба сифатида хизмат қилган.

«Ибратул-хавоқин» ўзининг катта ҳажми, мазмунининг ранг-баранглиги, расмий руҳ ва кўп нусхада бўлиши билан ўртача ва майда бошқа кўп майда асарлардан устун бўлиб, Қўқон тарихшунослигида чуқур из қолдирди, деб хулоса қилади Т.К.Бейсембиев⁵¹⁰. Шунга қарамасдан, бу асар ҳалигача тўлиқ ўзбек тилига ўгирилмаган ва унинг бой маълумоти том маънода илмий муомалага киритилмаган. Мазкур кириш қисмида “Ибратул-хавоқин” асарини ўрганган Т.К. Бейсембиев кўп хатоликларга йўл қўйган бўлса-да, ишни энг аввало таржимасидан бошлаш кераклигини ўзи ҳам таъкидлаган эди.

2005 йили Олмаотада Темур ака билан учрашганимда, у мени ушбу асар таржимасига даъват қилди. Натижада, бу асар таржимасига ундаганлардан бири айна шу Т. Бейсембиев бўлади. Ўз даврида унинг китобига тақриз ҳам ёзган эдим. Бироқ, у вақтда “Тарихи Шохрухий” асарининг матнидан беҳабар ҳолда ижобий тақриз ёзган эдим. Ҳозир эса Қўқон хонлигида ёзилган манбалар доирасида “Тарихи Шохрухий” (Ибратул-хавоқин) асарининг аҳамиятини аниқлаш унча мушкул иш эмас⁵¹¹.

«Ибратул-хавоқин» асарининг таржимаси марҳум тарихчи олим, тарих фанлари доктори, профессор Зоир Чориев кутубхонасидаги нусхаси асосида амалга оширилди. Асардаги шеърӣ парчалар асл форс-тожик тилида берилмоқда (қаранг

IV.I. 17. Манзурнинг «Тазкираи султоний» асари

«Тазкираи султоний»-«Султонлик тазкира»си тарихий дидактик асар. Муаллифи Абдулвосе Манзур. У Худоёрхон саройига яқин кишилардан бўлса ҳам, унинг таржимаи ҳоли аниқ эмас. Манзур бу асарни милодий 1871, ҳижрий 1288 йили тожик тилида ёзган.

Асарнинг асосий мазмуни давлатдорчилик ҳақида, яъни давлатни бошқариш тартибу низомига бағишланган. Қўқон тарихчиликлари мактабида бундай асарнинг пайдо бўлиши кўп жиҳатдан диққатга сазовордир. Худоёрхоннинг учинчи хонлиги даврида (1868-1875 йиллари), энди давлат низоми ва давлатдорчилик ишларини тартибга солиш, хонликни бошқарув назариясига аҳамият бериш, хон ва давлат амалдорларини давлатни сақлаш учун қилинган ҳаракатлари бошланган эди. Хонлик шу даврга келиб ташқи ва ички сабабларга кўра инқирозга дуч келади. Энди бу давлатга ёнма-ён Россия давлати туриб, ўзининг мустақкам давлат тизими, кучи, ички жиҳатдан тинчлиги хонлик учун намуна эди. Хонликда яшайдиган аҳоли ҳам ўзаро ички низо ва талашлардан норози бўлиб, бардам турган Россия маъмуриятига бир ҳавас билан қарайди. Хон ва сарой аҳли эса шундай давлатдорчилик, салоҳиятли амалдорлар ва вазиру мирзоларга эга бўлишни истардилар.

Худоёрхон шундай амалдорларни тарбиялаш учун қўлланма зарурлигини билиб, Манзурга бир асар ёзишни буюради. Шу ҳақда Манзур сўзбошида ёзади:

«Баъд у буюрдикӣ, шеърлар жаридасида ўзига муносиб бир таҳаллус танлаб, кимиё асар назарига манзур қилайин. Жаноби вилоятинтисобнинг нафаси муқаддаслигидан фақир хотирасида шу аён бўлдикӣ, эй таҳаллус мухлисӣ сенинг таҳаллусинг Аллоҳ инояти бирла «Манзур» бўлган. Шундан сўнг, ҳазрати соҳибқирон фармонига биноан бир неча муншоат ва ғазал форс ва турк тилларида, баъзан тарихлар ҳам ёзиб осмонга донғи урган олий саройга тухфа этдим. Натижада, жонбахш ел олий ҳазрат кароматларидан эдикӣ, агарда киромий ва улуғ кишилар сўзларидан асарнинг муносиб ва зарур жойларида ишлатилса, давлати олийнинг эсдалики ва тазкираси бўлуб қоларди. Шунинг учун ҳам бу асарга «Тазкираи султоний» номини бериб, бир муқаддима ва ҳазрати шаҳриёрнинг шариф номлари ҳарфлари сонига тенг 10 бобдан ва хотимадан иборат туздим « («ТС», 5⁶ вар.].

Асар таркиби қуйидагилардан иборат:

- Муқаддима. Салтанат фойдалари, унинг маъноси мартаба ва даражаси ҳақида (5^a].
- Биринчи боб. Адолатнинг фазилатлари ва шарофати ҳақида;
- Иккинчи боб. Салтанат (давлатдорчилик) шартлари ва мулкдорчилик асослари ҳақида;
- Учунчи боб. Вазорат мансабига лойиқ солихлар ва вазирлик шартлари ҳақида;

⁵¹⁰ Воҳидов Ш. (Рец.) Бейсембиев Т. К. Тарих-и шаҳрухи – как исторический источник. – Алма-Ата, 1987 // ОНУ, 1988. №1. – С. 43.

⁵¹¹ Т.К.Бейсембиевнинг китобига Э.Хуршут тақриз ёзиб, уни таҳлил қилганини қуйидаги мажмуада келтирилган. Бироқ, тақриз шахсий хусумат, армон ва ғаразлар билан ёзилганини таъкидлашим лозим. Қаранг: Проблемы истории Кокандского ханства. Научные дискуссии по некоторым вопросам истории, источниковедения и историографии Кокандского ханства / Редактор: Шамсиддин Камалиддин. Verlag / Издатель: LAP LAMBERT Academic Publishing, Saarbrücken 2013. – С. 217-231.

- Тўртинчи боб. Ходимлар ва давлат арбобларининг тарбияси ҳақида;
- Бешинчи боб. Ҳазрати султонга яқин бўлиш давлатига соҳиб бўлган жамоанинг одоби ҳақида;
- Олтинчи боб. Амири кабирнинг ишларда машварат қилиши ва унинг фойдалари ҳақида;
- Еттинчи боб. Яхшилар ва донолар билан суҳбат қуриш ва унинг фойдалари ҳақида;
- Саккизинчи боб. Жаноби жаҳонпаноҳийнинг хушёрлиги ва уйғоқлиги ва ҳамма нарсадан хабардор бўлиб туриши ҳақида; Тўққизинчи боб. Подшоҳ (ва давлат) сир-асрорларини асраш ҳақида;
- Ўнинчи боб. Вақт, давлат ва салтанатнинг ғаниматлиги ва яхши ном қолдиришни исташ ҳақида;

Хотима (10^б-11^б феҳрист].

Манзур асарида кўп ҳикоя ва ривоятларни келтириб, улардан ибрат олишни тарғиб қилади. «Тазкирайи султоний»да «Қуръон» ва ҳадислардан иқтибос келтирилиб, Низом ал-мулкнинг «Сиёсат номаси»дан ҳамда Шарқ шоирлари Саъдий, Ҳофиз ва бошқа алломалар аарларидан фойдаланган. Манзурнинг баъзи фикрлари, хулоса ва насихатлари жуда ҳам замонавий эди. Масалан, «Салтанат (давлатдорчилик) шартлари ва мулкдорчилик асослари» номли бобда Манзур хонга давлатдорчиликда қуйидаги шартларга риоя қилишни таклиф қилади: амиру фақирни бир хил билиш, фуқаро ҳожатини чиқариш, қарияларни ҳурмат қилиб, улар билан маслаҳатлашиш, сўзлашда яхши гапириш, ҳақиқатни муҳофаза қилиш, солиҳ кишилар билан суҳбат қуриб маслаҳат қилиш; раъиятга хайру эҳсон ва лутфни дариғ тутмаслик, ғафлатда қолмай амалдорлар ишларини текшириш, ақлли-хушли бўлиш. Манзур вазирлик ва вазир бўлиш шартларини қуйидагича баён қилади. Манзур фикрича. 1) вазир энг аввало ҳақиқатни хондан, амирдан ҳам устун қўйиши керак; 2) халқ, шоҳ ва лашкарга бир хил муносабатда бўлишлиги; 3) уларнинг кифояти, яъни тирикчиликларини таъминлаб бериш; 4) яхши расм ва удумларни қўллаши; 5) маслаҳат билан иш тутмоғи; 6) ширин ва лутфомез сўзларни аямаслиги; 7) шоҳ лутфу карамларидан мағрур бўлмаслик; 8) хайру эҳсонидан ғурурланмаслиги; 9) вазирнинг ҳамиша мусулмонлар ҳожатини чиқаришлиги; 10) вазирликни ғанимат деб билиб, оддий раиятга озор бермаслиги; 11) одамлар сўзларидан хафа бўлмаслик ва очик чехра билан муомалада бўлишлиги; 12) нек хислат дўстларни топишлиги; 13) амалдорлар устидан назорат қилишлиги; 14) пора олмаслиги, яъни

«Ту гар ришва гири зи уммоли хеш,

Бигиранд эшон зи халқ аз ту пеш».

[Сен агар амалдорларингдан пора олсанг,

Улар сендан олдин халқдан ундуриб оладилар].

15]. Шоҳ олдида қаттиқ гапирмаслиги; 16) шоҳни яхши ишларга рағбатлантириши лозим».

Манзур фикрича, уч сабабдан давлат завол топади: Биринчиси, агарда подшоҳ мулкида юз берган воқеалардан хабари бўлмаса, иккинчидан, ёмон халқни тарбия этиб, яхши йўлга ҳидоят қилинмаса, учинчи, амалдорлар зулмидан.

Асарнинг охирида «Зайли», Тазкирайи султоний» (яъни «Тазкирайи султоний»нинг иловаси) келтирилган.

Асарнинг хотимасида таърих-тавашшуҳлар бор. Бу тарихий моддалар шу йиллари содир бўлган баъзи воқеаларга бағишланган. Масалан, хон аркининг қурилиши, унинг ёнида боғ барпо қилиш йили ва бошқалар].

Асар шаъбон ойи ҳижрий 1288 (милодий 1871, октябр-ноябр) йилида кўчирилган. Автограф. Биринчи бетда сарлавҳа бор. 26,5x16. Матни 20x8,5. Қўқон қоғозида настаълик хатида қора рангда боблар номи, ажратилган сўзлар ва жумлалар қизил рангда кўчирилган. Муқоваси қалин мағздан, бешта тамғаси бор. Улардан иккитасида «Амали Мулло Муҳаммадумар Саҳҳоф. 1266 (1849-50)» деган ёзув бор. Таякиси ҳам жигарранг чармдан 123 вар. Иловаси 20 вар. (124^б-144^б].

IV.I. 18. Мулло Холбек ибн Муҳаммадмусо Андижоний

Мулло Холбек ибн Муҳаммадмусо Андижонийнинг «Алиқули жангномаси ва Ғарибнома» асари СВРнинг VII жилдида (39 бет) «Алиқули жангномаси ва ғарибнома» деб қисқа тавсиф этилган. Бу асар мемуар-тарихий жанрга мансуб бўлиб, назм билан ўзбек тилида битилган. Муаллифи Мулло Холбек ибн Муҳаммадмусо Андижоний, у охириги Қўқон хонларидан бўлмиш Худоёрхон даврида закотчи бўлиб Пўлодхон (1875) қўзғолонида фаол қатнашган. Шунинг учун ҳам Русия ҳукумати Мулло Холбекни айблаб, ўн йил Сибирга сургун қилади. Асар мазмуни ҳам Қўқон хонлиги тарихини ўз ичига олиб, Ўрта Осиёнинг Россия давлати томонидан босиб олиниши, Алиқули амирлашқарнинг ҳарбий юришлари, унинг Тошкент ҳимоясида қатнашиб, ҳалок бўлганини баён

қилади. Мулло Холбек томонидан ёзилган бу қўлёзма асарнинг иккинчи қисмидан ўрин олган «Ғарибнома» асарининг аҳамияти жуда катта. Бу асарда Мулло Холбек Пўлодхон кўзғолони, унинг иштирокчилари ҳамда Русия маъмуриятининг Ўрта Осиёда олиб борган сиёсати ҳақида муҳим маълумотлар беради. Мулло Холбек ўн йил Сибир сурғунида бўлиб, бошқа туркистонлик ўғлонлар билан чоризм маҳбусхоналарида бўлиб қайтган. Она Ватан, ёру биродарлар ва оиласидан зўрлик билан ажратиб олиб кетилган бир ожиз инсон ўз тили билан ёлғизликда бошидан кечирган ҳижронли, дарду аламли руҳий-ҳиссий аҳволини асарда баён қилган. Ватани озодлиги учун курашган Мулло Холбек ўзини айбдор деб билмайди ва чоризм босқинчиларини қоралайди. «Ғарибнома»да Мулло Холбек қуйидаги воқеаларни баён қилади:

«Аҳли Фарғонада иттифоқ бўлмади, ўрталарида адоват тўлуб қонлар тўкилди, хуни ноҳақ ва қабоҳат паст ишлардан бошланиб, ундан мусулмон давлати шикаст тобди». Сана 1295 ҳижрий, яъни 1878 милодий йили Мулло Холбек ўн йилга бошқа ўнлаб туркистонликлар билан Сибирга сурғун этилди. У уч йил «овлоқда» (авахта-гауп вахта)да ҳибсда бўлган. Аввал Хўқандда, кейин Тошкентда маҳбус бўлиб, «пуливой сут» (полевой суд) ишни текширгандан сўнг сурғун қилинди.

«Билдирай деб жустужу қилдим мудом,
Русия юртига ўн йил субҳу шом.
Қўйғон эрди ҳукм айтиб бул шоҳи рус
Муддати ўн йил тамом бе каму кўст.

Истиқомат айладим ғарибат билан,
Қўшулуб Маъмурга бу иғво қилан.
Деб бадарға айлади булдур сабаб,
Ғурбат ичра бўлди дафтар қонга бўяб...».

Маъмур Мундуз (Мирғани ўғли) кўзғолон кўтариб, тарафдорлари билан закотчиларга қарши чиқиб, уларни тутиб олиб ўлдирадилар. Бу кўзғолон Худоёрхон бошчилигида бостирилади. 1874 йилда ҳам Маъмур яна кўзғолон кўтаради. Мулло Холбек бу воқеалар ҳақида ҳам маълумот бериб, кўзғолон бошлиғи Маъмурни қоралаган. Кейинчалик ҳам Насруллоҳга қарши, ҳам русларга қарши кўзғолон кўтарган Пўлодхонни «қалбаки» хон деб, унинг қаршилигини ортиқча қон тўкиш, беҳуда саъй-ҳаракатдан иборат деб билади.

Мулло Холбек янги рус маъмуриятига қарши чиқиб, ахлоқнинг бузилиши, зулму ситамнинг ортиб боришига унинг сабабчи деб билади. Энди юртда Мингбой ва Алиқулидек марди майдонлар йўқ деб афсусланади.

Худоёрхон 1865 йили учинчи бор Қўқон хонлигига эга бўлгач, Абдурахмон Офтобачи «телбани» вазир қилади. У ҳажга бориб келгач (1871 йили), Худоёрхон томонидан вазир этилиб, Маъмурга қарши юборилади. Офтобачи эса Маъмурни жазо бермоқ баҳонасида бегуноҳ халққа ҳам кўп ситам қилади.

Кўп ўроқчи, баъзи дехқон Хонабоднинг қошида,
Айланиб ўз жунбишин эрди зироат бошида.
Баъзи бадрак нимчапўш, банги, сатанг аскарлари,
Келди бир-бир ушлашиб қўймагани жунбишида.
Қилмайин ҳеч бир ҳақиқат банда зиндон айлади.

Нома ёзди «Қоҳати Маъмур ушладим аскарларин,
Барчаси ўғри қозоқ эрди бузуқ менга тайин.
Бўлса фармон хомага ўлтурғузиб ҳар не барин,
Ҳар шаҳарда ўлдуроли сўнгра қилма деб йиғин».
Қилди маъқул сихда тортиб, кўтга бирён айлади.

«Ҳажжожий соний», яъни золим Худоёрхон ҳам бунга рози бўлади. Хонга эса олиму аҳли дониш манъ қилса ҳам, у рози бўлмасди. Хон «Маҳруми мерос» деган ғайри шаръи ҳукм чиқаради.

Манбалар маълумотига қараганда, Худоёрхон ҳукмдорлик даврида, яъни 1844 йилдан мулк эгаси меросининг бир қисми хонга тегишли деб қаралган. Бу дегани меросчилар қаторида хон ҳам бир қисм мулкдан ҳиссадор бўлиб чиқади. Шу йиллар ичида битилган васиқа ва таракага оид хужжатлар бекор қилинади.

Бу «марҳум мерос» ҳукми ҳақида Азизмуҳаммад Марғилоний ҳам ўз асари «Тарихи Азизий»да маълумот беради. Кейин Худоёрхонга Қўқон аҳли қарши чиқади. Андижонда Офтобачи унинг ўғли Насруллоҳбекни хон кўтаради. «Кулли явмин бадтар бўлди»- дейди муаллиф. Мулло Холбек Офтобачи Алиқули томонидан ташкил этилган ўн икки минг қўшинни тарқатди.

«У Хўжанд устига лашкар тортиб, руслардан мағлуб бўлди ва Хўқандга қайтди вилоят бузилиб кетди.

Бузди юртни дўстларим охир бу янглиғ модалар,
Шери нарлар кадрили билмас экан шу содалар.

Биз «қалбак Пўлодхонни» хон қилиб яхши уруш қилмадик, ўғрилар вазир бўлиб, аҳли юрт сарсон бўлди. «Зоти паст, мажхул насаб (насаби номаълум) Пўлодхон жаллодларига топшируб, икки минг одамни гуноҳсиз «бўзчисан» деб қатл қилиб, қишлоқу шаҳарларни куйдируб вайрон қилди.

Қисса кўтоҳ, олди юртни руссия насронилар,
Келди навбат бош кўтарди бир неча мардони хар.
Бидъат ишига саъй этиб куйдурди юртни сар басар,
Бузулуб феъли хуйи кўшилдилар кўп бежабар.
Кавлатиб фитна фасод ишларга жавлон айлади.

Баччабозлик, бўза ва арақнўшлик Фарғона мулкида ривож топди. Тангри ғазабидан кўркмай, кўп киши бу ишларга мубтало бўлди. Эл бошига фосиқу мунофиқлар чиқиб, суҳбатига ёмонларни чақирди. Шулар оқсоқолу арбоб бўлиб олиб фасодга кўл уришди. Аҳли дониш сўздан қолиб фуқаро хор бўлди. Олиму оқил киши хилват бурчагига қочди, ислом даврида юз бермаган ишлар бошланиб кетди. Лут қавми шарорат ишларига кўл урди. Ҳар шаҳардан даюс ва хоинлар кела бошлади. Улар арғумоқ отларга миниб, қат-қат зарбоф кийимларни кийиб, хотин ва қизларни русларга сотди, ўзини кордон деб кўрсатди. Буларни кўруб мунофиқ ва разиллар ибрат олди ва

Бўлса хотун қизлари зийнатланибдур мисли гул,
Сотишиб саллоти урусга йиғди қоғоз ақчасин».

Шундай қилиб, Мулло Холбек руслар кўлига яна 17 нафар сафдошлари билан асир тушади. Уларни 22 аскар Андижондан Қўқонга олиб кетишади. Йўлда қанча одамлар рус аскарларидан жафолар кўрадилар. Шу йўл азобини Мулло Холбек жуда ҳам таъсирчан қилиб тасвирлаган. Мулло Холбек йўл азобидан ҳолдан тойганда рус аскарни уни уриб, яна йўлга солади. Ўшлик бир халифа Холбекни елкасига олиб Қўқонга етказди. Бу ўшлик халифа ўзи ҳожи ва эшон экан. У ҳам хат ёзиб халқни ғазотга чақиргани учун кўлга олинган бўлиб, номи Масти, касб-кори гилкорлик экан. Холбек билан бирга яна Манглибой ҳожи Худоёрхоннинг муншиси Мирзо Холмуҳаммад Сиёх, Тохир понсод, Бешарикдан мўҳркан бир мунши тухмат билан ҳибсга олинди, Қўқонга олиб келинади.

Мулло Холбек Қўқон зиндонидида юз берган бир воқеани баён қилади. Қўқон ҳибсхонасида 18 маҳбус Мулло Хушвақт понсод, Тўра тўқсабо ва яна бир тожик кишилар билан маҳбус бўлиб ўтирган эканлар. Улар яқин қариндошларига айтиб қовун ичига пичоқ ва ханжар солиб олиб келишларини илтимос қиладилар. Уларнинг ёру биродар ва қариндошлари маҳбуслар истакларини бажариб, шу қуролларни айтилган йўл билан берадилар. Шу йўл билан аскарларга ҳамла қилиб, етти рус қоровулини ўлдириб ҳибсхонадан чиқадилар. Маҳбуслардан эса 8 киши отиб ва санчиб ўлдирилади. Мулло Хушвақт ҳам бир нонвой ҳовлисига кирганида, қувиб борилиб, отиб ташланади.

Анинг ҳамроҳлари бирлан кўруштум,
Овахта ўтган ишларни сўруштум.
Ки, сайлаб ўн иккисин жўнатти,
Оёқ кўлда кишан Сибирга кетти.
На чанд эрлар ўтурдур эй қариндош,
Машаққатдур томомин айламас фош.

Кейин Мулло Холбек Қўқондан Хўжандга, кейин Тошкентга олиб келинади. Анча вақтдан сўнг Мулло Холбек Сибирга сургун этилиб, қолган олти йил муддат Сибирда бўлади. Аммо унинг Сибирнинг қайси шаҳрида бўлгани маълум эмас.

Мулло Холбекнинг шоирлик маҳоратидан асар охиридан жой олган ғазаллар, мухаммас, марсия ва таърихлар ҳам далолат беради. Бу манзумалар ҳам таржимаи ҳол бўлиб, «Ғарибнома»нинг таркибига кирган ва у билан бир ягона асарни ташкил этади. «Айлади», «Айламиш», «Қайрилмишам», «Бўладур деб», «Ниятим» ва бошқа радифдаги манзумалари юқори даражадаги ҳиссиётларга берилган ҳолда яратган. Бу шеърий парчаларда ҳам муаллифнинг шахсий ҳаётига тегишли маълумотларни топамиз. Мулло Холбек укаси ва қизи ўлганлигини, сургундаги аҳволини, кундалик ҳаётини, рус маъмуриятининг туркистонлик асирлар билан қилган муносабатлари ва бошқа ижтимоий-сиёсий масалаларни ёритади. Масалан, Мулло Холбек маълумотида қараганда, асирларга кунда чорак қадоқ чой, 2 гривенга мос қанд ва нон берилар экан.

Асарнинг тили содда ва равон бўлиб, ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий характерга мос сўзлар турма (зиндон), камера, солдат, суд, закун (қонун), моюр (майор), министрлар, полевой суд (ҳарбий кўчма суд), сорт (нав, хил) учрайди.

Асар 1880 милодий йили (Русияда - ?) ёзилган. Оддий Қўқон қоғозига настаълиқ хати билан кўчирилган. 22x16, матни 10x16, 12-13 сатрда, икки қаторда қора рангда ёзилган. Муқоваси мағздан, ранги паст сариқ, учта тамғаси бор ва чарм билан рўқаш қилинган, 75 варақ.

IV.I. 19. Мирза Олимнинг «Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин» асари

Мирза Олимнинг «Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин» (Султонлар насаблари ва хонлар тарихи) Туркистон диёрида маълум ва кенг тарқалган тарихий асарлардан ҳисобланади. Биз тавсиф қилаётган нусха муаллиф қўли билан кўчирилган бўлиб, Ўз ФА Шарқшунослик институтида 1314 рақам остида сақланади.

Асарнинг баъзи варақларида «Юнусхон Додамуҳаммад ўғли Оғолик афанди. 1338 (милодий 1909) йили» – деб битилган муҳр босилган. Қўқон қоғозида насталиқ хатида қора ранг билан кўчирилган. Боблар номи ва ажратилган сўзлар қизил рангда. Муқоваси қалин қизил маҳздан бўлиб, 5 та мунаққаш тамға билан безатилган.

Асар муаллифи Мирзо Олим ибн домулло Мирзо Раҳим Тошкандий бўлиб, Туркистон Россия томонидан босиб олингандан сўнг, ҳижрий 1319 (милодий 1901-02) йили ўзбек тилида, баъзи шеърий ёзилган парчалар тожик тилида ёзилган ва у кўп жиҳатлари билан олимлар диққатини тортади. Муаллиф Қўқон хони Худоёрхон саройида Мирзо бўлиб хизмат қилган ва унинг аҳли рикобларидан ҳисобланган. Мирзо Олим ватанини Россия қўшини босиб олишидан қайғуриб ҳамда валинеъматни Худоёрхоннинг ҳаждан қайтишда ўлгани хабарини эшитгач бу асарни ёзишга киришган.

«Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин» асари (4-бет) муаллифнинг бошидан кечирган воқеалар тафсилоти, гувоҳлар нақли ҳамда кўп тарихий манбалар асосида ёзилган. Мирзо Олим асари ўзбек тилида бўлиб, матни гоҳ назмда, гоҳ насрда баён этилган ва асарнинг муҳим манбалари қаторида у «Насабномайи ўзбекия», «Тарихи Бобурий» (яъни Бобурнома), «Тарихи Роқимий» ва Авазмуҳаммад Атторнинг «Тарихи жаҳонамойи» асарини тилга олади (5, 6, 15 ва бошқа бетлар].

Асар таркибидан қуйидаги мавзулар ўрин олган:

Муқаддима (1-16 бет].

Олтун Бешик воқеаси (16-28 бет].

Қўқон хонлигининг биринчи хонлари (Муҳаммадалихон даври ҳам шу бобда баён қилинган (28-29 бет].

Зикри жулуси Шералихон ибн Ҳожибек ибн Абдурахмон;

Зикри жулуси Худоёрхон маъдалатнишон (бисмиллоҳ билан бошланади 62^б – 71^а);

Худоёрхоннинг иккинчи жулуси сана 1279 (милодий 1863 йил) (113^а – 120^а);

Зикри жулуси Султон Саййидхон (120^а – 128^а):

(Худоёрхоннинг учинчи маротаба хон бўлиши) ва уни маъзул бўлиб ҳаётининг охири кунларигача бўлган воқеалар (120^а – 152^а);

Зикри жулуси шахзодаи даврон соҳибқирон Саййид Насриддинхон ибн Худоёрхон хожи ал-харамайн (152^а – 160^б);

Уч кўрғон устига урусияни келиши (Фарғона Россия маъмурияти остида (160^б – 172^б);

Баёни ҳасби ҳоли Мулло Олим Мирзо. (172^а);

Тарихий воқеаларга тегишли кўп таърихий моддалар ҳам асар ичидан ўрин олган. Баъзан уларнинг таносуби воқеанинг насрий баёнидан ҳам анча кўпроқ жойни банд қилган. Шунинг учун ҳам асарда ягона бир тартибга риоя қилинмаган.

Асар тарихий ва адбайи манба сифатида қуйидаги жиҳатлардан аҳамиятга эга. Аввало, бу асар Қўқон тарихнавислик мактабида давлат янги маъмурият итоатига ўтганлигидан сўнг ёзилган ва у маълум ғоявий ва мафкуравий хусусиятга эгадир. Асар сарой ҳамда хон оиласига яқин бўлган амалдор томонидан ёзилган бўлиб, муаллифнинг янги ҳукуматга бўлган муносабати салбийдир.

Муаллиф мавқеи шоҳпарастлик (монархист) мавқеи бўлиб, у хонликнинг йўқ бўлиб, руслар томонидан босиб олинишига ачиниш билан қарайди. Лекин Мирзо Олим хонлик истилосига сабаб бўлган баъзи сабабларни ҳам кўрсатади. Булар, энг аввало, марказий (хон) ҳукуматининг заифлиги, сулола ва ҳукуматга даъвогарларнинг ўзаро низолари, Бухоро ва Қўқон ўртасидаги қаршиликлар, маҳаллий ҳукмдорларнинг марказий ҳукуматга қарши чиқишлари, босқин арафаси ва жараёнидаги иттифоқсизликдир. Бу хулосалар асарнинг умумий руҳидан келиб чиқади.

Тарихий манба сифатида «Ансоб ас-салотин..»да қуйидаги маълумотлар бор. Бухоро амири топшириғи билан зиндонда ётган Душабой исмли жиноятчининг озод қилиниб, шоир Ҳозикни ўлдириш мақсадида Шаҳрисабзга юборилиши ва унинг ғаразли жиноятни амалга оширгани. Шу қотил қўлида Имом Шафеийнинг ҳам қатл этилиши, 1867-68 йили Сўхда қирғизлар томонидан

кўтарилган қўзғолон тафсилоти. Бу қирғизлар Бухоро амири олдида бўлган Султон Саидхон ибн Маллахонга киши юбориб, уни хон кўтариш учун даъват қиладилар. Аммо бундан Худоёрхон хабардор бўлиб, Лолак деган мавзеда биродарзодасини ўлдиради. Маъмур бошчилигидаги қирғизлар қўзғолони. «Улар қўзғолон кўтарган, Бухорода яшаётган Пўлодхон ибн Муродхон олдида киши юбордилар. У хон бўлишга рози бўлмайди. Шунда қирғизлар вакили Урганчга бориб, Муҳаммадали хоннинг ўғли Музаффархонга хон бўлишни таклиф қилади. Аммо, у: «Сизга ўхшаган халқнинг эътиборларинг йўқдир, Қаландархон акамни ҳам олиб бориб Марғузур қишлоғида ўлдириб қўйдунглар. Алҳамдулиллоҳ авқот бахузур деб қабул қилмабди» – деб ёзади Мирзо Олим. «Шунда элчи Тошкентга келиб Мулло Исҳоқ деган бир носфуруш болани топиб мулло Абдулмўмин ибн Муҳсин бой маслаҳати билан» сохта Пўлодхон» қилиб олиб, Облиғ устидан ошиб, Чуст устига келиб қўшинга қўшилди. Қирғизлар хурсанд бўлиб шодиёна қўйдилар. Оқ кигизга солиб хон кўтардилар» (131^а).

Мирзо Олим маълумотларидан ва бошқа манбаларда учрамайдиган хабардан бири бу Мир Тожик Сўхий бошчилигидаги қирғизлар қўзғолонидир (136^а). Бу қўзғолон 1874-75 йилларга тўғри келади. Манба тили билан айтганда шу даврда Худоёрхон беқоидида ишларни барпо қилди», «Маҳрум мерос» деган ривоятни чиқарди» (138^б). Охири халқ қаршилиги остида ҳамда руслар маслаҳати билан Худоёрхон тахтдан воз кечиб, ўғли Насриддинбек хон бўлади. Шундан сўнг, Мирзо Олим Фарғона мулкани Россия маъмурияти итоатига ўтиши, зулм ва ситам ҳаддан ошиб кетиши, ичкиликбозликнинг кучайиши, жамият ахлоқи инқирозга дуч келишини ёзади.

Мирзо Олим асаридан Р.Н.Набиев «Қўқон хонлиги тарихидан» номли китобидан кенг фойдаланиб, унинг қиммати ва баъзи камчиликларини кўрсатган. Жумладан, Р.Н.Набиев ёзади: «Қўлёзмада (Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин – Ш.В.]. 60-йиллар биринчи ярми воқеалари тафсилотлари берилган. 1870 йилдан кейин юз берган воқеалар шу сабабдан аҳамиятлики, бу маълумотлар қуйидаги махсус асарлар – «Тарихи Шоҳрухий» ва «Тарихи жаҳонномаи»да йўқдур. Бу муаллифимизнинг Абдурахмон Офтобачи ва Пўлодхон ҳаракатлари ҳақидаги маълумоти, Россияга қўшиб олингандан сўнг Фарғонанинг ички ва ташқи муносабатлари, мустамлакачилар тартиботи, маҳаллий рухонийлар табақасининг намояндаси сифатида унинг шахсий мулоҳазалари диққатга сазовор бўлиб, жиддий муносабатни талаб қилади⁵¹².

Мирзо Олим шоир сифатида А.П.Қаюмовнинг «Қўқон адабий муҳити» асарида ўрганилган ва асарлари таҳлил этилган⁵¹³. «Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин» қўқонлик олим С.Йўлдошев томонидан рус тилига ўгирилиб, шарҳ берилган ва бу таржима ЎзФА Қўлёмалар институти хазинасида 5325 рақам остида сақланаётир. Мазкур таржима 2007 йили изоҳ ва кўрсаткичлари билан нашрдан чиққан⁵¹⁴.

IV.I. 20. Умидийнинг «Мактубчайи хон» ва «Тарихчайи Туроний» асари

Муаллифнинг асл номи Муҳаммадумар қори. Отасининг исми Неъматуллоҳ охун. Марғилон шаҳрида 1835 йили оламга келган. 1905 йили Тошкентда вафот этган шоир, тарихчи Муҳаммадумар «Умидий» ва «Ҳавоий» таҳаллуслари билан ижод қилган. Ҳаёти Фарғона ва Марғилонда, Шарқий Туркистон (Қашқар)да кечган, Фурқат, Муқимий ва бошқа шоирлар билан якин ижодий ҳамкорликда бўлган. Ижодий фаолияти XIX асрнинг 2-ярмида Фарғонадан бошланган; адабий мероси кичик ҳажмдаги лирик ва сатирик шеърлар ҳамда эпик дostonлардан иборат. Унинг «Маснавийи Умидий», «Девони Умидий» (1881), «Қачқули Қаландарий» (1891-92; назмий ва насрий йўл билан ёзилган ҳикоялар, афсона ва ривоятлар тўплами) асарлари, «Бадавлатнома ёки Тарихи Хўқанд» (1880), «Мактубчайи хон» (1884), «Жангнома» (1888), «Ҳайрат ул-олам» ва б. тарихий, фалсафий-дидактик дostonлари етиб келган. Умидий лирикасида ватанпарварлик, вафо ва садоқат, соф муҳаббат каби инсоний фазилатлар тараннум этилса, дostonларида Фарғона водийси ва Шарқий Туркистондаги турли жангу жадалларда хароб бўлган юрт, халқ аҳволи ҳаққоний тасвирланади. Масалан, 2700 мисрадан иборат «Бадавлатнома ёки Тарихи Хўқанд» дostonида Умархон вафоти (1822) дан 1875 йилгача бўлган Қўқон тарихи ва Ёқуббек (Муҳаммад Ёқуббек Бадавлат)нинг (1820-1877) ҳарбий юришлари ҳикоя қилинади. Унинг астрономия ва тиббиёт илмлари билан

⁵¹² Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства (феодалное хозяйство Худаярхана). – С. 11-12.

⁵¹³ Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. – Б. 332-345.

⁵¹⁴ Мирза Алими бин Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин (Генеалогия султанов и история хаканов) / Перевод, примечания и указатели С. Юлдашева. Введение, научный редактор Ш. Вохидова. История Узбекистана в арабграфических источниках. I. – Тошкент, 2007. – 256 с.

шуғулланганини кўрсатувчи маснавийлари ҳам бор. Асарларининг кўлёмалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти, Россия ФА Санкт-Петербург бўлими фондларида сақланади.

Назмда маснавий шаклида битилган «Мактубчайи хон» асари, ўзбек тилида ҳижрий 1302-1885 йили ёзилган. Бу асар бизгача икки нусхада етиб келган. Биринчиси Россия Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти Санкт-Петербургда (кўлёма С 575 рақам остида) ва иккинчиси Ўзбекистон жумҳурияти кўлёмалар институти хазинасида кўлёма 1902-у рақам остида сақланади «Мактубчайи Хон» асари зикр қилганимиздек, шеърда ёзилган бўлиб, Қўқон хони Худоёрхон ҳаётининг охириги йиллари йилномасидир. Унда Худоёрхон ҳаётига оид масалалар билан бир қаторда, XIX аср Қўқон хонлигининг кўп сиёсий воқеалари ҳам асардан ўрин олган. Асар Шарқ тарихнавислик анъаналарига риоя қилган ҳолда ёзилган.

Асарнинг ёзилиш сабаблари дебоча-кириш қисмида умумий тарзда айтиб ўтилган. «Бу китоб фақир инсон Умидийнинг китоби ва ундан эсдалик бўлиб, ҳожи жаноблари Абдурахим афанди илтимослари билан ёзилди... Бу асар Шермуҳаммадалихон давригача бўлган замондан бошлаб, Худоёрхон даврини ҳам ўз ичига олади».

Сўнгра муаллиф учта таърихда (иккитаси тожик ва бири ўзбек тилида) асарнинг ёзилиш йилини кўрсатган. Тожик тилида келтирилган рубойи ҳамда “Қуръон” ояти “насру мин Аллоҳи ва фатхун қарибун” абжад ҳисоби билан 1302 сонини беради. Бу эса милодий 1885 йилга тенгдир.

Бизнинг нусхамиз насрий дебоча (130^б-132^а) ва асосий қисмдан (132^б-156^б) иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида “бисмиллоҳ” билан бошланади. Асарнинг мазмунидан аён бўладики, Туркия фуқароси Абдурахим афанди Афғонистонда тахтдан тушган Худоёрхон билан учрашади. Бу савдогар Ҳиндистондан қайтаётган экан. Шу учрашувдан сўнг, бу тожир (?) тақдирида муайян ўрин эгаллайди. Маълумки, Худоёрхон ҳаждан қайтаётган вақтда Ҳирот яқинидаги Қуруҳ номли мавзеда 1881 йили вафот этади. Ўлимидан олдин Худоёрхон Абдурахим афанди билан Истамбулга бориб, Русиянинг Туркиядаги элчиси орқали император Николай II га илтимоснома ёзиб юборади ва ўз номасида ундан Тошкентга қайтиши учун ижозат сўрайди. Шоҳ бунга розилик бериб, Туркистон генерал-губернаторига тегишли буйруқ ҳам юборади.

Бир муддат ўтгандан кейин, Абдурахим афанди Худоёрхон ўлимидан хабардор бўлиб Ўрта Осиёга йўл олади. У Хива орқали Тошкентга келиб, кейин Қўқонга боради ва Худоёрхоннинг яқин кишилари билан учрашади. Шу ерда у Муҳаммад Умидий-Намангонийдан Худоёрхон ҳаёти таржимаи ҳолини ёзиб беришни илтимос қилади ва бу истакни шоир Умидий бажаради.

Дебоча (мадх, васф, салтанят) дан сўнг, Худоёрхон даври баён келтирилган. Умидий Худоёрхоннинг тахтга чиқишини 1843 йил деб кўрсатадики, бу бошқа манбалардаги санадан фарқ қилади. Асарнинг Салтанят қисми эса Туркия султони Абдулҳомид II (1876-1905 йиллари салтанат сурган)га бағишланган. Асарнинг баъзи лексик жиҳатлари шундан далолат берадики, «Мактубчайи Хон» турк ўқувчиларига ҳам мўлжаллаб битилган асардир. Асарда XIX асрнинг охирида ўзбек тилига хос бўлган баъзи хусусиятлар ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам бу асар шевашунослар ва тилшунослар диққатини ҳам жалб этиши табиийдир.

Гарчи асарнинг маддоҳона руҳда ёзилиб, айрим воқеликлардан кўз юмилгани, саёз баён услуби асарнинг тарихий жиҳатларига путур етказса-да, унинг тил ва давр нуқтаи назаридан қийматини унчалик пасайтирмайди. Яъни Қўқон тарихнавислар мактабида «Мактубчайи Хон» асари ва унинг муаллифи Умидий ҳам маълум ўрин эгаллашга сазовордир. «Мактубчайи Хон» XIX аср иккинчи ярмида Қўқон историографиясини тадқиқи қилиб, баҳолаш учун муҳим манба саналади. Асар Қўқон хонлигининг Русия маъмурияти давридаги шароитини ўрганишда ҳамда дин пешволаридан бўлмиш Қўқон хонлари тақдирларини ёритиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу асарнинг нашр қилиниши, маълумотларини илмий муомалага киритилиши Туркистон халқлари тарихини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Асар Қўқоннинг рангли қоғозларида, қора рангда кўчирилган. Хати чиройли настаълиқ бўлиб, матн икки устунда жойлашган. Котиби Мулло Низомуддин. Асарнинг охири йўқ. 146-148 варақларига баъзи доғлар тушган. Муқоваси қалин мағздан ранги кўк. 26+ (3) варақи бор.

“Тарихчайи Туроний”асари ҳам Муҳаммад Умар Марғилоний, тахаллуси Умидий бўлган шоир ва тарихчига мансуб бўлиб, настаълиқ хатида, рус фабрика қоғозида кўчирилган эди. Муқоваси оддий, яссама турида бўлиб, лабаки ва таякилари қизил матодан, улчами 20,5x12,5; Қоғози жой-жой рангли, чизиқлидир. Матни ўлчови 13,5x8 см. 13 сатрдан иборат. Асарга муаллиф Умидий “Тарихчайи Туроний”, деб ном қўйган.

Қўлимиздаги асар Умидий қаламига мансуб янги асари бўлиб, унинг ягона нусхаси Шоҳрухбек ака Саййидумаровнинг оилаларида сақланиб келган. Сабаби муаллиф ўз даврида Саййид Умарбек

оиласига яқин бўлиб, борди-келдиси бўлган. Муаллиф Сўфибекнинг ўғли Назирбек билан жуда қалин дўст бўлган экан. Саййид Умарбек мана шу Назирбекнинг қизига уйланган эди.

“Тарихчайи Туроний” асари Қўқон хонлиги тарихини жуда мухтасар тарзда баён қилиб, хонлик худуларини Россия империяси босиб олиниши жараёнини ҳам тасвир этади. Муаллиф хонликнинг охириги хонлари томонидан амалга оширилган ободонлик ишларига аҳамият беради.

IV.I. 21. «Анжумут-таворих» асари

Мазкур асарнинг муаллифи Қўқон хони Худоёрнинг ўғли ҳисобланади. Унинг номи асарининг бирор-бир жойида тўлиқ тилга олинмаган бўлса ҳам, баъзи тадқиқотчилар ва асарда келтирилган билвосита маълумотлар асар муаллифи Худоёрхоннинг ўғилларидан Муҳаммадамин ёки Ибн Ямин бўлиши тахмин қилинади. Улардан Ибн Ямин руслар томонидан ташкил этган Тошкентдаги гимназияда таҳсил олган ва унинг баъзи хотиралари ўша давр матбуотида чоп этилган. Тахминимизча Ибн Ямин мазкур асарнинг муаллифи бўлиши мумкин. Архив маълумотларга қараганда Ибн Яминбек (рус тилидаги архив ҳужжатда Ибн Аминбек деб ёзилган. Онаси Мабишим Худоёрхоннинг 3-хотини бўлган. Қаранг: Военно-исторический архив РФ. Ф.400, оп.1, ед.хр. 718, л. 30.) 1881 йили 12 ёшда бўлган, китоб эса 1900-1901 йилларда ёзила бошланган бўлиши мумкин. Демак, Ибн Яминбек китобни тахминан 32 ёшлигида ёзган.

Агарда Муҳаммадамин-бек (онаси Подшобек, Худоёрхоннинг биринчи хотини бўлган. Қаранг: ўша ҳужжат.) ҳам Қўқон хонлари ҳақида мақола эълон қилганини эътиборга олсак, бу ҳам китобни ёзган бўлиши мумкин, у 1881 йили 26 ёшда эди, 1901 йили эса у 46 ёшга кирган бўлади.

Шундай қилиб, қўлёзманинг асл муаллифи кимлигини аниқ айтиш учун, Муҳаммадамин-бек ва Ибн Яминларнинг дастхатидан намуна топилиши керак ва уларни “Анжум ат-таворих”нинг матнига солиштириб кўриш лозим.

“Анжум ат-таворих” (“Тарих юлдузлари”) ҳақида қисқа маълумотни собиқ Ўзбекистон ССР ФА муҳбир аъзоси Р. Н. Набиев ўзининг “Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худаярхана)” номли асарида (Ташкент, 1973. – С. 13–15) берган. Рашид Набиевич Набиев ушбу асарининг манбалари қаторида ўз кутубхонасида бўлган “Анжум ат-таворих” асари нусхасини тавсиф қилар экан, уни Қўқон тарихнавислик мактабида катта аҳамияти борлигини таъкидлаган.

Муаллиф қаламига мансуб нусха тожик тилида, рус контора дафтарида олинган варақларда, оддий қалам ва бинафшаранг сиёҳ билан ёзилган. Бизнингча бу муаллифнинг қораламаси бўлган. Унинг турли жойларида иловалар, хошияларидаги қайдлар, ўчириб қайта ёзилган жойлари, матн устидан баъзи жойларда бутунлай хат чизиб, ёзилган матнни бекор қилиб ташланган жойлари ҳам мавжуд. Қалам билан ёзилган жойларни ўқиш жуда мушкул. Жами 235 саҳифадан иборат. Илова тарзида ёзилган бир неча саҳифалар ҳам бор. Асар муқовасиз. Уни яна бир фотонусхаси билан бирга Рашид Набиев бошқа қўлёзма китоблари ва архиви билан шогирди Ҳ. Н. Бобобековга берган ва улар ҳозирги кунларда унинг шахсий кутубхонасида сақланади. Асар устидан олиб борилган барча илмий ишлар ва таржима айни шу фотокопия асосида олиб борилди.

“Анжум ат-таворих” асарининг ягона муаллиф нусхаси Р. Набиев шахсий кутубхонасига ўтган асрнинг 40-йилларида келиб тушган. Уни собиқ Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг ходими Турди Мирғиёзов Р. Набиевга берган эди. 1958 йили Р. Набиев илтимоси билан шу автограф нусхадан Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, хаттот Абдулқодир Муродов жуда гўзал настаълик хати билан “Анжум ат-таворих”дан бир нусха кўчирган. А. Муродовнинг айни захматлари натижасида бугунги кунда қўлимизда шундай бир ёдгорлик етиб келганини алоҳида миннатдорчилик билан таъкидлаш жоиз. Мазкур нусха 1958 йил 30 мартда кўчириб тугатилган (ҳозир у Ўз ФА ШИ хазинасида 11366 рақам ости-да сақланади]. Асарнинг муқоваси оддий картондан, устига сариқ абрий қоғози ёпиштирилган. Ўлчами 29x19,5 см. Матн фабрика қоғозига кўчирилган ва ўлчами 23,5x13 см. Асарнинг 27^а варағидан 75^а гача бўлган саҳифалари асл нусхада қандай бўлса шундай бўш қолдирилган. 75^б дан 153^б гача бўлган саҳифаларда асар матни яна давом этган.

Шуни тан олиш керакки, Абдулқодир Муродов муаллиф нусхасини кўчи-риш жараёнида жиддий тадқиқот ишларни олиб борган ва муаллиф режасига биноан асар матнини тар-тибга солган, унинг боб ва қисмларини жой-жойида кўчириб, оғир матншунослик ишларини ҳам амалга оширган. Жумладан, мазкур олим асар бобларига ном ҳам қўйиб чиққан.

Асар муаллифи Худоёрхонзода икки қисм (дафтар)да Қўқон хонлари тарихини тўлиқ бермоқчи бўлган. Унинг режасига кўра биринчи қисмда “Худоёрхонни тахтга келгунга қадар Фарғона ва Мовароуннаҳр хонларининг аждодлари зикри”ни бериб, иккинчи жилдида “Худоёрхонни тахтга

чикқанидан бошлаб Фарғона тарихини то 1318/1900–1901 йилгача бўлган воқеаларини Туркистон миллатига ёдгорлик ёзиш” мақсад қилинган. А. Муродов ўзи кўчирган асарнинг охирида афсус билан “Анжум ат-таворих”нинг иккинчи жилди топил-маганини ёзган. Қўлимиздаги иккала нусхада муаллифнинг режалаштирилган асарнинг фақатгина биринчи қисми баён қилинган. Унда Муҳаммад Заҳираддин Бобур даври, у ва ворисларининг Ҳиндистондаги ҳукуматлари, Олтун Бешик авлодидан Элик – Тангриёр султон даври (боши) баён қилинади ва ўртадаги давр ёзилмаган (ёки кўчирилмаган). Унинг жойи бўш қолдирилган. Воқеаларнинг кейинги баёни Шоҳрухбийнинг отаси Ашурмуҳаммадхоннинг давридан бошланади (75^б).

“Анжум ат-таворих” асарининг биринчи дафтарининг боблари қуйидагича:

Асар катта бир муқаддима билан бошланади. Шу муқаддимада (3^а) муаллиф асари номини “Анжуми таворих”, деб берган. 3^б варақда “Фарғона ва Мовароуннаҳр подшоларининг насаблари ва улар аждодларининг зикри” деган боб (гуфтор, сўз) билан бошланади. Кейин “Бобурхонни Самарқанд шаҳ-рига азимат қилғони” (8^а–13^а), “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг зикри” (13^а–27^а), “Султон Элик, мулаққаб ба Тангриёр султон жулусининг зикри” деган боблар келади. Шу учинчи боб бошланиши билан саҳифалар бўш қолган. Муаллиф қўлёзмасида ҳам бу давр ёзилмаган, ёки улар йўқотилган.

Муаллиф минг сулоласи намояндаси бўлганидан ўз насабини Чингизийлар ва Амир Темурга боғланишга манфаатдор бўла туриб, сулола насабини Бобурга боғланиш учун анча ҳаракат қилган. Бироқ у тузган насабномада ҳам бўш ҳалқалар ва чалкашликлар мавжуд. Худоёрхонзоданинг таҳририда Минг сулоласининг вакиллари Бобурга қуйидаги тартибда уланган: Олтун Бешик ибн Муҳаммадмуқим ибн Муҳаммадҳаким ибн Ҳумоюн подшоҳ ибн Бобур ибн Умар Шайх. Олтун Бешикнинг онаси Шарафнисо бегим бинт Валимуҳаммадхон. Муҳаммадмуқим Имомқулихондан чекиниб Тарғова мавзеига келганда янги туғилган ўғлини, онаси туғиш вақтида вафот этгандан сўнг қолдириб кетади. Бу воқеа 1020/1611–1612 йилда содир бўлган экан. Муҳаммадмуқим олган захмлардан ўшда ҳалок бўлади. Олтун Бешик улғайиб минг қабиласидан бўлган Қутлукнигор хонимга уйланади. Улардан Тангриёр, ёки Худоёрхон [Биринчи] оламга келган. Тангриёрхон Имомқулихоннинг қизи Фотима Сул-тонга уйланган. Бу никоҳдан Султон Элик ва Муҳаммадамин номли ўғиллар оламга келган. Муҳаммадамин Хоразмни бобоси Имомқулихон ёрдами билан эгаллаб, икки йиллик хонликдан сўнг у ерда вафот этади. Ундан Фарғонада Абулқосим исмли фар-занд қолган экан. Олтун Бешик 1066/1655–1656 йилда 46 ёшда вафот этганда, ўрнига Султон Эликхон тахтга чиқарилганмиш.

Нусханинг 75^б варағидан “Ашурмуҳаммадхон ва унинг ўғли Шоҳрухбекнинг зикри”, “Абдурахимхон салтанати ва аҳволининг кайфияти зикри” (76^а), “Абдукаримхон ибн Шоҳруххоннинг бахтли жулусининг зикри” (79^б–84^б), “Эрдонахон номи билан машҳур бўлган Абдулқаноюнхон ибн Абдурахмонхон жаҳонбонлигининг зикри” (84^б), “Сулаймонхон ибн Шодихон ибн Шоҳруххон зикри” (87^б), “Нарботир номи билан шуҳрат топган Абдулҳамид ибн Абдурахмонхон зикри” (88^а), “Олимхон ибн Абдулҳамидхон ҳукмронлиги зикри” (95^а), “Умархон ибн Абдулҳамидхон салтанати зикри” (113^б), “Муҳаммадалихон ибн Умархони жаннатмаконнинг зикри” (127^а–153^б).

Асарнинг мазмунидан шу нарса аён бўладики, асардаги тарихий воқеаларнинг баёни 1842 йилда хонликда содир бўлган фожиавий ҳодисалар билан тугаган. Жумладан, 1842 йил май ойида хонлик пойтахтини амир Насруллоҳ томонидан босиб олиниши, хон оиласининг қатли (шунда Муҳаммадали-хон, ўғли Муҳаммадаминхон, Муҳаммадалихоннинг укаси Султон Маҳмудхон, оналари Моҳларойим – шоира Нодира ва б.), хонликни амирлик таркибига киритилиши, манғитлар ҳукмронлигига қарши қўқонликларнинг қўзғолони, қирғиз-кипчоқлар ёрдами билан Шералихонни тахт устига келиши каби воқеалар баён қилинади. Шу воқеалар баёни, мантиқан, асарнинг биринчи жилдини ниҳоясига етганини кўрсатади.

Маълумки, Шералихон 2 шаъбон 1260/16 август 1844 йили Муродхон томонидан қатл қилинган. Шунда у 55 ёшда бўлган, икки йил ва бир ойу 25 кун хонлик қилган. Муродхон тўққиз кунлик хонликдан кейинг 9 шаъбон 1260/23 август 1844 йили кипчоқлар қўлида Мусулмонқули ва Муҳаммадназарбек раҳбарлигида ўлдирилган. Муаллифнинг отаси Худоёрхон эса 24 августда тахтга кўтарилади. Худоёрхон уч маротаба Қўқон тахтига кўтарилган. Унинг ҳукмронлик даври содир бўлган турли воқеалар билан жуда ҳам бой. Мана шу даврни хон авлодига мансуб, хонзода томонидан ёритилиши тарихшунослик ва манбашунослик жиҳатдан ҳам жуда қизиқ ва мароқли ишдир.

Юқорида айтганимиздек Худоёрхоннинг ўғиларидан Ибн Яминбек анча олдин “Туркистон вилояти газети” (1893. – №№ 22–28)да ҳам ўз эсдаликлари ёзиб нашр этганида маҳаллий зиёлилар

орасида катта ҳурматга сазовор бўлган. Унинг эсдаликлари кейинчалик рус тилида ҳам чоп этилган. Агарда Худоёрхоннинг шу ўғли асар муаллифи бўлса, унда унинг тарихнавислик соҳасидаги маҳорати ва малакаси, тарихий билимларга эга бўлгани, жиддий тадқиқотчи экани унинг асарининг биринчи жилди ва олдин ёзган ўша эсдаликлари мазмунидан маълум бўлади. “Анжум ат-таворих” асарининг аҳамиятини қуйидаги натижалар билан изоҳлаш мумкин:

- Мазкур манба Фарғона водийси ва Қўқон хонлигида ҳукм сурган минг сулоласи вакилларининг бири томонидан ёзилган;
- Асарда Қўқон хонлигининг энг муҳим ва мураккаб даврларига доир, унинг шаклланиши, ривож ва инкирозли даврларига оид жуда қимматли маълумотлар ва ахборот мавжуд;
- Худоёрхонзода ўз асарини ёзишда ёзма тарихий асарлар билан бир қаторда (“Бобурнома”, Абулғозий Баҳодирхоннинг асарлари, “Тарихи жаҳоннамои”, “Шоҳномаи Абдул-лоҳхоний”, “Тарихи Муқимхоний”, “Гулшан ат-таворих”, “Мунтахаб ат-таворих”, “Афзал ат-таворих”, “Мустафод ал-ахбор фи аҳвол ал-Қазон ва-л-Булғор” асарларини муаллиф тилга олган), ўз сўзига қараганда турли ҳужжатлар, фармон ва васиқалар, вақфномалар, хат ва мактублар, нумизматик маълумотларидан фойдаланган (4^а);
- Асарда минг сулоласининг генеалогиясига оид янги талқинлар мавжуд. Айни шу Худоёрхонзода ўз аجدодларини Чингизий ва Темурийларга Бобур орқали бориб тақалишига манфаатдор бўлгани ва Олтун Бешиқ ривоятига алоҳида урғу бериши табиий кўринади;
- “Анжум ат-таворих” асарида минг сулоласи вакиллари ўртасидаги оилавий муносабатлар, қон-қариндошлик масаласига ойдинлик киритадиган жуда кўп маълумотлар мавжуд;
- Асарда марказий ҳокимиятни қўлга олиш учун сулола вакиллари ўртасида олиб борилган курашлар, уларнинг асосий иштирокчилари, шу даъвогарларни қўллаб-қувватлаган, ёки қарши чиққан куч ва гуруҳлар, турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни ёритувчи аниқ маълумотлар ва қайдлар бор;
- Хонликда мавжуд бўлган амал ва унвонлар, эгаларининг вазифалари, ижтимоий иерархияга доир, ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг турмуш тарзи, ўзаро муносабатларини ёри-тувчи маълумотларни ҳам асарда ўқиш мумкин;
- Асар муаллифи ўз аجدодларининг меъморчилик, ободончилик, суғо-риш ишларига қўшган ҳиссаларини алоҳида ажратиб ёзган.
- Асар кенг илмий муомалага жалб қилинмаган ва ҳалигача манбашу-нослик ва тарихшунослик жиҳатлардан ўрганилмаган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ибн Яминбек (ёки Муҳаммадаминбек) ибн Худоёр қаламига мансуб “Анжум ат-таворих” асари Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Шарқий Туркистон тарихи ва маданиятига оид жуда муҳим тарихий манба ҳисобланади. Ушбуларни инобатга олиб мазкур асар ўзбек тилига таржима қилинди, изоҳ ва кўрсаткичлар билан нашрга тайёрланди.

Таржимани асл нусха билан солиштириш ва техник камчиликларини бартараф этишда ҳамкорлик қилган Файзуллоҳ Нуруллоҳ ўғлига ҳам ташаккур айтаман.

Изоҳларни ёзиш жараёнида Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Ислом Энциклопедияси, “Тарихий мерос” туркумида чиққан асарлардан ҳамда Ҳ. Н. Бобобековнинг шахсий архивидан кенг фойдаланилди. Матнда мансаб ва амаллар ҳамда уруғ ва қабилалар номи курсив ёзувида берилган.

Асар рус тилида ҳам чоп этилган.

IV.I. 22. Муҳаммадсолиххўжа Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари

Домулло Муҳаммадсолиххўжа ибн Раҳматхўжа (лақаби Қорахўжа эшон домудла) ибн Раҳимхўжа Қорий XIX асрдаги Тошкент зиёлиларидан ва мутафаккирлардан бўлиб, 1246/1830-31 йили Тошкентнинг Шайхонтахур даҳасидаги Қорёғди (ёки Қорабоғди, ҳозирги Пахтакор стадиони ва Алишер Навоий номидаги Санъат саройи ўрнидаги) маҳалласида оламга келган. Унинг бобоси мулла Муҳаммадраҳимхўжа Тошкентнинг Қиёт маҳалласидаги Бекуҳаммадбий мадрасасида мударрислик қилган. Бу тарихчининг вафот қилган йили аниқ эмас. Лекин илмий фаразларга қараганда Муҳаммадсолих 1889-1890 йилларда ҳам ҳаёт бўлган экан⁵¹⁵.

Муҳаммадсолих замонасининг фозил ва билимдон оиласида оламга келган ва мадрасаларда ўқиб, таълим олиб, ҳақиқий маънода зукко олим ва мударрис сифатида камол топган. У аввало бобоси ҳузурида савод чиқариб, кейин Тошкентдаги Эшонқули додхоҳ, Лашкарбекларбеги ва Хўжа

⁵¹⁵ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 7.

Ахрори Валий мадрасаларида ўқишни давом эттирган⁵¹⁶. 1850 йили эса Бухоро шаҳрига бориб, Кўкалдош мадрасасида билимини оширади. Ўқиш ва илм олиш давомида Муҳаммадсолих Шаҳрисабз, Самарқанд, Қарши, Ўш, Наманган, Марғилон ва бошқа шаҳарларда бўлиб, ўқимишли кишилар билан ҳамсухбат бўлади. 1863 йили у Тошкентга қайтиб, Қиёт маҳалласидаги Бекмуҳаммадбий масжидида имом бўлиб, айна вақтда мударрислик ҳам қилган⁵¹⁷. Муҳаммадсолиххўжа ўз замонасида содир бўлган кўпгина тарихий воқеаларнинг фаол қатнашчиси бўлган.

Муҳаммадсолиххўжа асарида ўзига талабчан бир тарихчи сифатида эмас, балки ўлкашунос-жуғроф, олим сифатида ҳам, наботатшунос ва зоолог сифатида ҳам гавдаланади. Тошкент шаҳри ва вилоятлари жуғрофияси, топонимияси, наботот ва ҳайвонот оламининг тарихи билан бир қаторда ифодаланиши бу фикримизнинг исботидир.

Муҳаммадсолих «Тарихи жадидаи Тошканд» асарини 25 йил давомида ёзган. Асар ҳижрий 1279 йили зу-л-ҳижа ойида (милодий 1863 йил май ойининг охиригача) бошланиб, баъзи қисмлари ҳижрий 1307 (милодий 1889-1890) йили таълиф этилган⁵¹⁸.

Муҳаммадсолих асарининг муаллиф қўлёзмаси нодир нусха сифатида Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида, қўлёзма 7791 рақам остида сақланади. Шу муаллиф қўлёзмасидан котиб Набирахўжа ибн Саидхўжа томонидан 1936 йили кўчирилган нусха икки муқовада (№11072, 11073) ҳамда шу институтнинг илмий ходими раҳматли Абдулло Носиров қўли билан кўчирилган нусхаси (инв.№5732) ҳам мавжуд. Бу нусхалар асосан Ўрта Осиё тарихига оид қисмларни ўз ичига олган. Ана шу нусхаларнинг тавсифи «Собрание восточных рукописей АН Узбекской ССР»да қисқача келтирилган⁵¹⁹ (Қар.: VI жилд. 1963. 34-36]. Лекин асар ҳақидаги манбашунослик нуқтаи назардан биринчи маълумот Я.Ф.Ғуломов томонидан «Ўзбекистон Фанлар академияси ахбороти»⁵²⁰ ойномасининг 4 сонидан берилган. Асардаги баъзи топографик маълумотлар Ю.А.Соколов⁵²¹ тарафидан, Худоёрхон давридаги Қўқон хонлиги тарихига оид баъзи маълумотлари эса Р.Н.Набиев томонидан фойдаланилди⁵²². Кейинчалик 1983 йили А.Ўринбоев Муҳаммадсолих берган баъзи маълумотларни жамлаб «Тошкент Муҳаммадсолих тавсифида» номли рисоласини нашр этди. Лекин бу асардан фойдаланиш доимий ва систематик бўлмагани, махсус чуқур изланиш объектига айланмагани сабабли «Тарихи жадидаи Тошканд» ҳамда Муҳаммадсолихнинг тарихчилик фаолияти билан Қўқон тарихнавислик мактабида эгаллаган ўрни охиригача ёритилгани йўқ эди. Шундай улкан ва аҳамиятли асарни ёш тадқиқотчи Ўктам Султонов ҳар тамонлама ўрганиб, диссертация ва монография шаклида илм аҳлига тақдим этгани⁵²³ қувонарли ҳодиса бўлди.

Мазкур манбани анча олдин ўрганган А.Ўринбоев ва О.Бўриевлар асарни тавсиф қилиб, жумладан шундай ёзгандилар: «Тарихи жадидаи Тошканд» асари икки жилдли бўлиб, муаллиф нусхаси 1040 варақдан иборат. Муҳаммадсолих тарихнавислик анъанасига мувофиқ, аввал умумжаҳон тарихини Одам Атодан бошлаб (I жилд, 1^б. 197^а варақларда) кейин маҳаллий тарихни ёзишга ўтади. Қолган 297^б – 1040^б варақлари II жилдни ташкил қилган. Бу жилд ўз навбатида уч қисмга тақсимланган. Биринчи қисми «Жаннатнишон Фарғонанинг олийнасаб султонлари» деган сарлавҳа остида Фарғона водийсида кечган XV аср охири ва XVI аср биринчи чорагидаги (Заҳриддин Муҳаммад Бобур даври) сиёсий воқеаларидан сўзлайди (297^б – 360^б. варақлар]. Иккинчи қисм эса асарнинг энг кўп қисмини ташкил этиб (361^а – 870^а), унда XV асрдан то муаллиф яшаган йилларигача бўлган Ўрта Осиё тарихи, Қўқон хонлиги ва Тошкент шаҳри тарихи ёзма манбалар (асар манбалари ҳақида кейинроқ муфассал тўхталинади – Ш.В.), қисман эса муаллифнинг воқеа иштирокчиларидан эшитган ва ўзи кўрган-билганлари асосида ёритилади. Маълумотларга бойлиги туфайли ана шу қисм асарнинг тарихий жиҳатдан энг мукамал ва муҳим қисми ҳисобланади (таъкид бизники – Ш.В.).

⁵¹⁶ Ўша жойда. – Б.9.

⁵¹⁷ Муфассал қаранг: Султонов Ў. А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари. – Тошкент: O'zbekiston, 2007. – Б.13-27.

⁵¹⁸ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида. – Б. 10.

⁵¹⁹ Собрание восточных рукописей. Т.VI. – Тошкент:Фан. 1963. – С. 34-36

⁵²⁰ Ўша жойда. 1963. – С. 34-36.

⁵²¹ Ташкент, Ташкентцы и Россия. – Тошкент:Фан. 1966. – 190 с.

⁵²² Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. (Феодальное хозяйство Худаярхана). – Ташкент: Фан, 1973.

⁵²³ Қаранг: Султонов Ў. А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари. – Тошкент: O'zbekiston, 2007. – 262 б.; Шу муаллиф: Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари. Тарих фан.ном... дисс. – Тошкент: ЎзФАШИ, 2007. – 220 б.

Учинчи қисмда (83^б. – 1034^б варақлар) бевосита Тошкент шаҳрининг XVIII аср учинчи чорагида шаҳарда жорий этилган «Чор ҳокимлик» давридаги маъмурий бўлиниши – тўрт даҳа тушунчасига асосланган топографияси ва шу маъмурий бирликлар доирасига киритилган атроф ерлар географияси таърифланган. Шунга биноан, бу қисм тўрт фаслга бўлиб келтирилган ва ундан сўнг хотима сифатида (1034^а – 1040^б варақларда) муаллиф ўз ҳаётини қисқача тасвирлаб, асарни тамомлайди⁵²⁴.

Муҳаммадсолиҳ асарининг манбалари сифатида қуйидаги асарлар номини китобнинг ҳар хил жойларда тилга олади:

«Тарихи шоҳрухоний» (Муҳаммадниёз Хўқандийнинг « Ибрат ал-хавоқин/Тарихи Шоҳрухий» асари) «Жавомеъут-таворих» яъни, «Жомиъут-таворихи Рашидуддин»), «Тарихи Чингизхоний», «Равзат ас-сафо», «Тарихи Табарий», «Зафарномаи амир Темур», яъни Али Яздийнинг «Зафарнома» асари, «Тарихи Муқимхоний» («Тазкираи Муқимхоний» муаллифи Муҳаммадюсуф Мунший ибн Хўжа Бақо), «Тарихи Саййид Роқим», «Тарихи Бобурхон», яъни ўша машҳур «Бобурнома», «Тарихи Фариштаи Акбаршоҳи» (Аслида «Гулшани Иброҳимий» – муаллифи Муҳаммадқосим Ҳиндушоҳ Астарободий «Фаришта»), «Мифтоҳут-таворих», «Матлаъ ал-улум», «Тарихи қайсарномаи Усмония», «Тухфат ал-хоний», яъни Мулло Мир Муҳаммадвафо Карминагийнинг «Тарихи Нодирхони эроний», яъни «Тарихи жаҳонгушойи нодирий» муаллифи Мирзо Муҳаммад Махдихон Астарободий ибн Муҳаммадносир «Кавқаб», «Китоби (тарихи-?)]. Мавлоно Ушшоқий Косоний – Хўқандий», «Ажойиб ал-булдон» (ёки «Мажмаъ ал-ғаройиб»), «Ажойибут-табақот», «Тарихи ақолими сабъа (аниқроғи «Ҳафт иқлим» асари), «Тарихи қандияи Самарқанд» (ёки «Мунтахаб ал-қандия») бу китоб Абу Саид Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий (1015 мелодий йили вафот этган) томонидан ёзилган «Китоб ал-комил фи маърифати ир-рижол» (Номдор) кишиларни танитувчи муфассал китоб)нинг давоми бўлиб, уни Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ас-Самарқандий (1143 мелодий йили ўлган) ёзгандир. Лекин бу асар бизгача етиб келмаган. Унинг қисқартириб ёзилган нусхаси етиб келган. У ан-Насфийнинг шогирди Абулфозил Муҳаммад ибн Абдужалил ибн Абдулмалик ибн Ҳайдар ас-Самарқандий томонидан ёзилган. Муҳаммадсолиҳ фойдаланган нусха «Қандияи хурд» ёки «Қанд дар таърифи Самарқанд» (Самарқандни таърифловчи ширин (китоб) бўлиши мумкин⁵²⁵. «Сувар ал-ақолим» (Абу Зайд томонидан X асрда араб тилида ёзилган жўғрофий асар) ва бошқалар.

Бундан ташқари, Муҳаммадсолиҳ асарнинг кўп жойларида «Мозийдан қолган қиссалар ҳамда улуғлар маноқибларидан фойдаландим» деб ҳам ёзади.

Муҳаммадсолиҳхўжанинг асари Шарқ – Кўқон тарихнавислик мактабининг кўзга кўринган жиддий манбаларидан ҳисобланади. Кўпчилик Кўқон тарихнависларига нисбатан муаллиф насабномалари генеология усулидан унумли фойдаланган. Агиография – маноқибот маълумотлар ҳам Тошкент тарихининг типизацияси учун катта аҳамиятга эга эканини шу асарда кўриш мумкин.

Тарихи жадидаи Тошканд» ўзининг шу жиҳатлари билан ҳам Тошкент воҳаси тарихини ўрганишда манбашуносларга катта мадад беради.

Тарихи жадидаи Тошканд»нинг 2-жилдида Кўқон тарихига оид қуйидаги мавзулар ёритилган:

- Фарғонада Бобур салтанати (қўлёзма 11071 рақам. 2^б – 31^б);
- Шахзода Олтун Бешиқ зикри (35^б – 31^а);
- Султон Шоҳруххон II даври (37^а – 40^а);
- Абдурахимхон воқеоти зикри;
- Абдулкаримхон Шоҳруххон II ўғли салтанати зикри;
- Абдурахмонхон ибн Абдулкаримхон жулуси зикри;
- Зикри салтанатронин Эрдонахон ибн Шодихон;
- Сулаймон ибн Шодихон ибн Шоҳруххон салтанатининг зикри;
- Норбўта ҳоқон ибн Абдурахмонхон салтанатни безатгани зикри;
- Ҳоқон Султон Олимхон кишваркушойнинг салтанати зикри (54^а – 71^б);
- Олимхон салтанатининг нузули ва Умархон иқболини адл мезонида тараққий топгани (71^б – 98^б);
- Зикри салтанати Муҳаммадалихон Ғозий;
- Замони хони Шералихон даври;
- Шоҳзода Худоёрхон жулусининг зикри;
- Тошкент (1847-48 йиллари) кўзғолонининг тафсилотлари (147^б – 149^б);

⁵²⁴ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. – Б.11.

⁵²⁵ Қаранг: Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария. – Тошкент: Янги аср авлоди. – Б. 7-11.

- Оқ масжид ва Туркистон мудофаасининг тафсилотлари;
- Маллахоннинг хонлик даври;
- Шоҳзода Султон Саййидхон Ғозий ибн Маллахон Баҳодур салтанатининг зикри;
- Туркистонинг Россия қўшинлари томонидан босиб олиш жараёнининг тафсилотлари (Авлиё ота, Чимкент, Тошкент, Жиззах, Хўжанд, Ўратепа мудофаалари (223^б – 266^а, 277^а – 280^б. II жилд. 2 китобнинг 3^а – 37^а);
- Россиянинг Самарқандни босиб олиш, Зарабулоқ муҳорибаси ва Бухоро амири билан битим имзолаш (41^б – 45^а);
- Шахрисабз бекларининг воқеоти (Жўрабек ва Бобобек билан боғлиқ ҳодисалар (45^а – 51^б);
- Рус маъмуриятининг Қўқон хонлигини бутунлай босиб олиши, Пулатхон қўзғолони, Абдурахмон офтобачи ва Исо Авлиё қўзғолонлари асарнинг охириги қисмларида;
- Худоёрхон авлодлари ҳаётидан нақл қиладиган қайдлар. (120^б ва кейинги бетлар);
- Шарқий Туркистон тарихига оид маълумотлар (135^{а, б} ва кейинги бетлар);

Зайли «Тарихи жадидаи Тошканд» илова сарлавҳаси остида асосан Тошкент шаҳри ва вилояти ҳақида тарихий ва жуғрофий маълумотлар келган. Бу қисмда Тошкент ва унинг атрофида жойлашган тарихий обидалар тавсифи, мадраса ва мазорлар, шаҳар даҳалари, Тошкентнинг олиму фозиллари, маърифат аҳли, уларнинг насаблари, шайху зоҳидлар, ҳофизу мусикашунослар, мударрис ва домуллолари ҳақида жуда қимматли маълумотлар бор.

Муҳаммадсолиҳнинг кўп маълумотлари Қўқон хонлигининг тарихи ва маданиятига оид бўлиб, баъзи масалаларни кенгроқ ва аниқроқ ёритиш учун ёрдам беради. Тарихий ва адабий манба сифатидаги ана шу маълумотлар Қўқон тарихнавислар мактаби «Тарихи жадида»нинг тутган ўрни ва аҳамиятини янада кўтаради.

Масалан, Муҳаммадсолиҳ Умархон салтанати даврини баён қилар экан, малик уш-шуаро Фазлий Намангоний (Абулқарими Намангоний) ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради:

«Мавлоно (Фазлий – Ш.В.) ҳам шоири эзидий бўлиб, алфози балиғ ва ибороти фасих ва каломи мухташамот ва латофатомўз ва канузоту киноёти форсий ва туркий, ширу-шакарга ўхшаб маснавиёт бошида тамҳиду таъриф ва тавсифни аралаштириб, адолатшиор ва закоитосор, илм муҳитида замона ҳоқонининг шерозабанд дебчаси назму насрини камол даражасига кўтариб ... алифдан баҳри ёйгача ғазаллар, таржиъбанд, мусамманиёт, мусаддисот, мухаммасот, рубоиёт ва муфрадот, соқиномалар, тарихот амири кишварситон номига ёзгандир» (98^{а, б} вар.]

Лекин бизга маълумки, Фазлийнинг девони ҳалигача топилган эмас. Солиххўжанинг бу ахбороти бизни шу йўналишда изланиш олиб боришни давом эттиришга ундайди.

Муҳаммадсолиҳ 1847 йили Тошкентда юз берган қўзғолон ҳақида ёзар экан, воқеа шоҳиди сифатида қўзғолоннинг сабабини ёзади. Азиз парвоначи (1846-1847 йиллари Тошкент ҳокими – Ш.В.) «Ифторпули» баҳонаси билан Тошкент фуқаросига 4 минг бир мисқоллик тиллога тенг солиқ солади. «Бу номарғуб ишлар мамлакат мутамаккинларига (аҳолисига – Ш.В.) оғир тушди ва ғалвои омга сабаб бўлиб, фуқарою раоё билан Азиз парвоначи аскарлари ўртасида тўқнашув бўлди»⁵²⁶.

Муҳаммадсолиххўжа Тошкент ватанпарварлари қаторида Туркистоннинг руслар томонидан босиб олинишига қатъий қарши чиқиб, шовинистик ғояларига асосланган бу сиёсатни қоралаб, бундай истилочилик урушига нафрат билдиради ва Ўрта Осиё халқларининг қаршиликларини муфассал баён этиш билан кўнглини тинчитгандек бўлади.

Солиххўжа катта самимият билан Тошкент ҳимоячиси Алиқули амирлашкар қаҳрамонлигини васф этади. «Тарихи жадидаи Тошканд» маълумотлари шуни кўрсатадики, руслар билан муомалада бўлиш масаласида шаҳар аҳли ўша замонда икки гуруҳга бўлинишган. Бир гуруҳ русларга охиригача қаршилиқ кўрсатиш тарафдори бўлган (Солихбек охунд бошчилигида). Бу ғоя тарафдорлари аксариятни ташкил қиларди. Иккинчи гуруҳ эса русларга мўайян шартлар билан сулҳ тузиш тарафдорлари эдилар. Бу гуруҳнинг тарафдорлари ичида Муҳаммадюнус шиғовул (Султон Саидхон ва Алиқули амирлашкарнинг яқин мулозимларидан) Мирзо Ҳаким, Абдурахмон ибн Шодмонбек, Муҳаммад Сафед тожир бўлганлар.

Тошкент ҳимоясидан олдин шаҳар уламолари Эшонқули додхоҳ мадрасасида йиғилиб, руслар билан сулҳ тузиш ёки тузмаслик масаласини кўриб чиқиб, шаҳарни мудофаа қилишга қарор қиладилар.

Йиғин Эшон Қорабошхўжа мутаваллий бошчилигида ўтади. Бу мажлис –Кенгашда Эшон Муҳаммад Раззоқхўжа ибн Искандархўжа, Домулло Абдуҳолик Марғилоний, Эшон Алиакбархўжа,

⁵²⁶ Бу қўзғолон ҳақида муфассал қаранг: НабиевР.Н. Ташкентское восстание 1847 года и её социально-экономическое предпосылки. Ташкент: Фан, 1966, – 80 с.

Эшон Домулло, Эшон Абдурасулхўжа, Эшон Саййид Аҳмадхўжа муфтий, Эшон Исмоилхўжа, Имом мударрис, Эшон Шарофхўжа, Эшон Хўжахон, Аҳрорхўжа эшон Довудхўжа, Мулло Муҳаммадмусо охунд, Эшонжон ва Жаъфархўжа, Эшон Бузрукхўжанинг ўғиллари, Муҳаммадмусохўжа, Хожамподшоҳхўжа, Эшон Нурхўжа ибн Қорабошхўжа мутаваллий, Мулло Миржалил фаррош қатнашганлар (265 б – 266 а].

Яна бир масала. Маълумки, Алиқули амирлашкар 1865 йили 9 май Тошкент мудофааси вақтида оғир яраланиб ўлган. Унинг ўлими ўз вақтида ҳам шов-шувга сабаб бўлиб, суиқасд натижасида эканлиги ҳам тахмин этилган.

Муҳаммадсолиххўжа Алиқулга туркистонликлар томонидан уюштирилиши мумкин бўлган ҳар қандай суиқасд масаласини рад қилади. Алиқули руслар тўпи ўқидан яраланганини исбот қилиб, Қамбар деган қул даъвосини ҳамда Ниёз Али понсадбошининг ўғли Усмон Али сўзларини ёлғонга чиқаради. Қамбар ҳабаш ёки хитой жамоасидан бўлиб, Мулло Алиқулига ўқ теккандан кейин, Черняев олдиға келиб, «амирлашкарларни мен ўлдирдим» деб айтган экан. Қўқонга бориб эса «отам қони учун амирлашкарларни мен отиб ўлдирдим» деган. Усмон Алининг сўзи ҳам «қизби маҳз» (ўтакетган ёлғон)дир дея хулоса қилади Солиххўжа. Амирлашкар Ниёз Али понсадни 1864 йили Авлиё отадан руслар ваҳимасидан қўшинни ташлаб қочгани учун Чимкентда отиб қатл қилган эди. Жамоадор тўпчибоши ва Абдулобек деганлар Муҳаммадсолихга шоҳидлик беришларича, амирлашкар тўп ўқи билан қорнидан ва чап сонидан яраланиб шаҳид бўлди (207^б – 268^а].

Тошкент истилосидан сўнг генерал Черняев биринчи бўлиб Шайх Хованд Тахур қабристонига келиб, Алиқули қабрини зиёрат қилган (II жилд, 2 китоб, 4^а варақ)⁵²⁷.

Рус ҳарбий маъмурияти Тошкент аҳолиси билан шаҳар ички ишларига аралашмаслик борасида битим имзолайди. (Бу шартнома Абу Убайдуллохўжа томонидан «Хулосат ал-аҳвол» асарида келтирилган]. Тошкентда Ҳакимхўжа қозикалон ва Ёқубхўжа Низомиддин Пасткентий ўғли қозикаскар бўлади (17^а].

1865 йили 2 майда рус қўшини Самарқандни босиб олади. Кейин улар амирга зарба бериш учун Каттакўрғонга босиб борадилар. Шу вақт ўртасида Самарқанд аҳли русларга қарши қўзғолон кўтаради. Самарқандлик элатия қабилалари, Тошканд ва Фарғона фидойилари, шаҳрисабзликлар дасталари мададга келдилар. Шу кучларга бошчилик қилган раҳбарлар номини Муҳаммадсолих тўлиқ берган: (49^а – 51^б].

Қалмоқ қабиласи дастасининг бошлиғи Тўхтамишбек, тошкентлик гуруҳларга Рустамбек додхоҳ, Гадейбий, Юлдошбек, Мусо Муҳаммадбий, Юсуф Алибий, Фарғона дастасига Файз саркор ўратепаликлар тўбига Абдуғаффор девонбеги, Бухоронинг етти тумани қўшинига Ҳожи Мелибой, Усмонбек раҳбарлик қилган эканлар (49 а – 51 б].

Муҳаммадсолихнинг Бухоро тарихига оид маълумотлар, хусусан, Абдумалик тўра, Сиддик Кенасарий ҳаракатлари ҳақидаги ахбороти катта аҳамиятга моликдир (55^б – 65^а].

Маълумки, Абдулмалик тўра – амир Музаффарнинг ўғли, отасини руслар билан битим имзолагани ҳамда руслар истилоси хавфи остида Қўқонга босиб киришда айблаб, унга қарши чиққан. Амир Музаффар ўғли Абдулмаликка қарши руслар қўшинини ёрдамга чақиради. Ва генерал Абрамов бошчилигидаги қўшин Тўрага зарба берадилар. Шу баҳона билан шаҳрисабзликларнинг мустақиллик учун олиб борган қаршиликлари бостирилади. Зарафшон водийси Туркистон генерал-губернаторлигига ўтади. Абдулмалик эса ғариблик ва мусофирлик сари юз тутиб, ватанидан кетишга мажбур бўлади⁵²⁸. Шаҳрисабз беклари Жўрабек ва Бобобек аҳли оилалари билан Тошкентга олиб келинган эди. Кейинчалик, Жўрабек ва Бобобек Туркистонни босиб олиш учун руслар ҳукуматига катта хизматлар кўрсатадилар. Журабек ҳатто генерал бўлиб олади.

«Тарихи жадидаи Тошканд»да Қўқон хонлигида юз берган халқ ҳаракатлари ҳам кенг тасвирланган. Муҳаммадсолих Пўлодхон (Мулло Исо Ҳасан қирғиз ўғли), Абдурахмон офтобачи қўзғолони ҳақида ҳам ишонарли маълумотлар берган. Бу воқеаларнинг шоҳиди Солиххўжа учун Акрамхон тўра Собирхон тўра ўғли Махдуми Аъзам бўлган. У Худоёрхоннинг жияни бўлиб, ўша вақтида Косон ҳокими эди.

⁵²⁷ Алиқули амирлашкар ҳақида муфассал қар.: Муҳаммад Юнусжон Тойиб. Тарихи Алиқули амирлашкар // Шарқ юлдузи, – 1996, №1-2. Яна қаралсин: Илҳомов З. А. Алиқули амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни. Тарих фан.ном. дисс. – Тошкент: ЎзФАШИ, 2004. – 126 б.

⁵²⁸ Одилов А. Бухоро амирлигида XIX асрнинг 60-йилларида озодлик ҳаракати тарихи // Илмий тўплам. – Тошкент, 1995. – Б. 96-98; Шу муаллиф. Абдумалик Тўра бошчилигидаги халқ озодлик ҳаракати тарихидан // ЎзМУ хабарлари, 2002. – № 2; Шу муаллиф. Озодлик фидойиси // Тафаккур, 2001. – № 2; Шу муаллиф. Бухоро амирлигида миллий-озодлик ҳаракатлари тарихи (Абдумалик Тўра бошчилигидаги халқ озодлик ҳаракати мисолида). Тарих фан. номзоди дисс. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2003.

1875 йили Абдурахмон офтобачи, Исо Авлиё, Маҳмудхон тўра Тошкандий, Холиқули эшиқоғаси, Қосим эшиқоғаси, Турсун тўқсабо курама, Муҳаммад Саййид ҳудайчи, Саййид Маҳмудхон ҳудайчи, Назарқули парвоначи(Сақав тўра), Зулфиқорбек Фозилбек дастурхончи ўғли, Гадоёбой, Мир Олим эшиқоғаси, Саримсоқ додхоҳ ҳудайчи, Кийикбой парвоначи қипчоқ, Мерганбой эшиқоғаси қипчоқ, Худоёр эшиқоғаси қипчоқ, Наримон эшиқоғаси, Мулло Йўлдош эшиқоғаси, Нурмуҳаммад эшиқоғаси, Нурмуҳаммад тўқсабо, Холмуҳаммад ва Мирзо Атои тўқсаболар, Ғойиб Мирзо, Шаҳрисабз кенегас жамоаларидан Худоёр додхоҳ, Йўлдошбой, Мулло Раҳмонқули эшиқоғаси, Мулло Олимжон мирзо, Муҳаммадқули тўқсабо, Маҳмудали эшиқоғаси, Мусо тўқсабо, Ботир тўқсабо, Яъқуббек тўқсаболар русларга қарши 12 минглик Фарғона лашкарига бошчилик қиладилар. Косон яқинидаги Хитой сойи мавзеида қаттиқ жанг бўлади. Россия кўшини ғалаба қилади. Ҳижрий 1229 йили/милодий 1875 йили, ражаб ойида Офтобачининг кўзғолони Андижонда ҳам бостирилади (II жилд, 2 китоб, 100^а – 105^б варақлар].

Худоёрхон 1875 йили ёзда ўғли Насриддинхон фойдасига тахтдан воз кечади ва «12 уйда сақланадиган нақдина хазинасини, тилло, кумуш ва мисдан ясалган идишларни, толали бисотларини, машҳад гиламларини, таворих ва фикҳга оид китобларни, нафис нарсаларни, Хитой пиёлалари ва Хўтан жомларини, 150 та аврупо тўплари, замбараклари ва милтиқларини ... аҳли оиласини, жамъи 58 аравага юклаб Мўйи Муборак орқали Ашт даштига кириб, Кони бодомга келади» дейди Солиххўжа (107^б - 108^а]. Маҳмудхон тўра кўшин аҳлини ғазотга даъват қилиб, 12 минг аскар ва 15 минглик суворийлардан бир қисмини ўзи билан олиб кетиб, Худоёрхонни хиёнатда айблайди (108^б]. Маҳмудхон шунча бойликдан ғозийлар фойдаси учун икки арава хазина, 3 адад замбарак, баъзи чодир ва бисотларни тортиб олади. Худоёрхон Хўжандга келиб тахтдан воз кечади. Кейинчалик уни руслар Тошкандга олиб келиб, Султон юзбоши Мулло Қурбон Бадахший ўғли ховлисида, Қошғарийлар гузарига тушурадилар (110^а вар.].

Нихоят Россия кўшинлари 1876 йили февраль ойига келиб, Қўқон хонлиги худудларини тўлик босиб олдилар. Абдурахмон офтобачи ва Исо Авлиё ҳийла билан қўлга олиниб, Россияга сургун этилади. Насриддинхон Владимир губерниясига юборилади. «Мулло Фўлодхон шоҳзодалар Саййид Мавлонбек ва шоҳзода Алиакбарбек талаблари билан Марғилонда дорга осилади. Мулло Абдулмўмин ибн Муҳсинбой Тошкандий эса Тошкандга олиб келиниб Солор анхори бўйида осиб ўлдирилади» (124^а – 126^б].

«Тарихи жадида» маълумотлари Шарқий Туркистон тарихи, жумладан унинг ўша даврдаги маданий ҳаётини ўрганишда ҳам жуда аҳамиятлидир. 1865-1868 йиллари давомида Туркистондан кўп кишилар Қошғарга кетишади. Булар руслар ҳукуматини тан олмаган машҳур кишилар бўлиб, баъзилари Бухоро ва Қўқон давлатларида танилган, давлат арбоблари, олимлар ва саркардалар эдилар. «Мулло Алиқули амирлашкар шаҳидлигидан сўнг Фарғона ва Тошканд лашкари ўртасида фаторат тушди. Ҳукумат Русия ва насрония кўлига ўтди. Аксар ва аглаб садорат ва нақобат, шайх ал-ислом ва қозийлар, қабила бошлиқлари ва авулар саркардалари... Қошғар билодига даҳлат қадамларини кўйдилар (135^{а,б}]. Булар қози Зиёвуддин маҳдум қози Мирзо Раҳимжон Тошкандий ўғли, Мулло Муҳаммадюнусжон шиғовул мирзобоший Тошкандий — Тоиб (кейинчалик Ёрканд ҳокими, шоир ва тарихчи), Фарғонадан Бузургжон тўра ибн Жаҳонгир тўра, Кичкинаҳон тўра, Ҳакимхон тўра ибн Бобожон тўра (Ёқуббек Бадавлатдан кейин Қошғар ҳокими), Мирзо Аҳмад кўшбеги, Муҳаммадназар кўшбеги, Ҳакимбек шиғовул, Хўжабек ҳудайчи, Эшон Тошхўжа судур Тошкандий, Нишонбой Мирзо Ўтаббой кўшбеги қипчоқ ўғли, Муҳаммаддиёр Нормуҳаммад кўшбеги қипчоқ ўғли, Шермуҳаммад Мулло Алиқули ўғли, Кўш парвоначи қипчоқ, Бухородан Мирзо Камолиддин дафтардор, вазир ҳазрат Хўжа Аҳрори Валий авлодидан Убайдуллоҳ Тошкандий («Хулосат ал-аҳвол» муаллифи), Эшон Мусохон тўра ибн Саййидхон тўра мутаваллий, Жомадор тўпчибоши, Хайрмуҳаммад Афғон ёвар ва бошқалар бўлган (135^{а,б}].

Бизнингча, «Тарихи жадидаи Тошканд»нинг энг охириги қисми ниҳоятда қимматлидир. Бу бобнинг номи «Дар зикри уламоён, фузалоён, машоихон ва зуфунон ва сажжоданишинону мутазоҳхидон ва мутаваррион ва гушанишинону соҳибдилон, мутрибону муғанниён ва муҳиббон, аҳли машрабон ва зокирон...» дир.

Бу маълумотлар ўтмиш маданиятимиз тарихи саҳифаларини кўплаб фозиллар кишилар номи билан тўлдиришга хизмат қилади. Тарихни бугунги кунгача биз сиймосиз ва шахссиз ўрганиб келдик. Тарихий буюк шахсларнинг таржимаи ҳоллари, хизматлари ва ўтмишдаги ўринлари бир томонлама текширилди. Фақатгина Тошканднинг ўзида шунчалик кўп фозилу доно ва мутафаккирлар бор экан, уларнинг номлари тарихимиз ва жамиятимизга қайтарилиши зарур. Ўтмиш ва тарих индивидлар, алоҳида шахслар томонидан яратилган. Мана Муҳаммадсолих ёрдамида тарих

ва маданиятимиз саҳифаларида заррин хат билан номлари ёзилиши зарур бўлган олиму фозил, мударрису зако шахслар:

Қозий Маҳдум – баландмасжидлик, Қозий Шодмонхўжа эшон орқакўчалик, Эшонхўжа қози – Мерганча кўчадан ва Юнусхон мадрасасининг мударриси, Домулло Иноятуллох охунд мударрис – катортераклик, Абдулазизхўжа эшон – қиётлик, Домулло Фозилхўжа – қиётлик, Кичкинахўжа – қорбоғдилик, Эшон хўжа, Мулло Неъматхон, Мулло Эркабой охунд – қиётлик, Эшон Неъматхўжа – қорбоғдидан, Домулло Абдулжалил қорий, Мулло Охунжон, Домулло Муҳаммадзоҳид дафтардор – хаттот, Аломон хўжа, Мулло Покқадам Эроний, Мулло Мир Олим, Низомуддин, Мулло Муҳаммадраҳим Туркий, Мулло Рўзмухаммад –янгишаҳарлик, Якубжон Охунд халифа, Ҳакимжон хожи Тошкандий, Занжирлик кўчасидан, Домулло Қора Раҳимхўжа Эшон, Эшон Шоди аълам, Эшон Азизлархўжа Эшон Сулаймонхўжа мударрис, Эшон Абдусамихўжа хатиб, Абдулвахҳобхўжа ақиқ ва олмос муҳркани – хаттот, Сомижон охунд фоқиҳ, Мулло Мир Юсуф аълам – Аштак гузаридан, Домулло Мизробшоҳ Хоразмий Эшонқули мадрасасининг мударриси, Мулло Абдулхолик Марғилоний (илми наҳв ва сарф мударриси, замона муҳаддиси ва муфассири), Эшон Абдурахмонхўжа маҳдум Эшон Хонхўжа қози ўғли, Эшон Шох Мансурхўжа – Маҳмуд дастурхончи мадрасасининг мударриси, Мавлоно Махзум Мир Шарофуддин Домулло калон аълам Мулло Мир Содик Қори ўғли, Эшон Раҳматуллохўжа муфти мударрис эшон Аъзамхўжа Умри ўғли, Мулло Мир Раҳим охунд Толлокий – Маҳмуд дастурхончи мадрасасининг мударриси, Мулло Абдулкарим охунд Занжирликий, Домулло Мир Исо охунд, «зубдаи даврон ва зуфунуни замон» – Домулло Шамсмуҳаммад охунд, Эшон, Муҳаммадхўжа Қатортеракий, себзорлик Домулло Султонбой аъзам, Эшон Исохўжа Қозий, Эшон Маҳмудхўжа – Себзордан, Эшон Юсуф Алихўжа – Қозихўжа кўчалик (бу аллома раъиятпарварлиги учун 1847 йили Азиз парвоначи томонидан қатл этилган – Ш.В.), Ҳоким хўжақозикалон – себзорлик, Эшон Абдулжабборхўжа – ҳазрати Қафқоллик, Эшонхон (Зоҳид маҳдум) – ҳазрати Қафқоллик, Эшон Халифа Абдумажидхон – ҳазрати Имомлик (Ҳастимомдан), Мўйи муборак мадрасасининг мударриси, Домулло Саййид Аҳмад охунд парчабоф-мударрис, «ҳаллоли муғаллиқоти муаммоия, кашшофи таҳқиқоти девония, афқоҳи даврония» (муаммолар ечимлари очадиган, девон ишларини билувчи, даврон фақиҳи) Домулло Абдушукур аълам, Махзум эшон Исмоил, Мулло Бой Охунд Ўзкандий, қози Мулло Бобожон Охунд Ҳофизи Кўҳакий, Домулло Мирзо Муҳаммад аълам, Домулло Ражабмуҳаммад охунд – каллахоналик, Қори Домулло – мударрис ва муаллим, Домулло Солиҳ Охундхожи Ўзгандий, Мулло Лутфуллох аълам, Мулло Бобожон охунд заргар, Мулло Юнусжон Мирзо шиғовул (муаллиф даврида Кўқон шаҳрининг қозиси – Ш.В.), Эшон Содикхўжа табиб ва ҳаким.

Муғанний ва мутриблардан Эшон Шаҳлохўжа, Юсуфхўжа, Мулло Юсуф Қори Соний. Шайх ва зоҳиду обидлар – Эшон Абдулқосимжон Бешёғочий, Аҳмад Маҳмуд – қоратошлик (нақшбандлар муршиди), Эшон Орифхўжа-Сузукатойи, Эшон Имом Зайнуддинхон Ялангқиригий, Қозий Низомуддинхон Пскендий, Домулло Солиҳбек ибн Қозоқбой, Маҳмуджон аълам, Абдуррашидхон аълам, Домулло Алим, Мавлоно Миён Афаизхон – Камолоний, Мулло Муҳаммадрасул охунд Ялангқиригий табиб, Эшон Салимсоқхўжа олмазорлик.

«Тарихи жадидаи Тошканд»нинг муаллиф нусхаси Кўқон тарихнавислик мактабининг аҳамиятини исботлашда яққол мисол бўлади.

IV.I. 23. Махзун ва унинг «Шоҳнома»(Тарихи Фарғона) асари

Махзун (Зиёвуддин Хўқандий) – шоир ва тарихчи. Худоёрхоннинг фармониға биноан «Шоҳнома» асарини ёзган. Бу ноёб ва ягона қўлёзма китоб Туркияда «Осиё тарихи» номи билан сақланмоқда. Асарда асосан Кўқон хонлиги тарихи баён этилган. Муаллиф ўзини ғазалларида ва асар матнида «Махзун» деб атаган.

Бу қўлёзма ҳақида кўқонлик олим Миён Бузрук куйидагича ёзади: «Истамбул. Холис Афанди кутубхонаси фихристида 3776 нумерда ўзбекча ёзилгон бир таърих китоб бордир. Кутубхонада тахминий суратда «Осиё тарихи» деб қайд этганлар. Ҳақиқатдан ҳам ёлғиз Фарғона таърихидан баҳс этганидан унга «Фарғона таърихи» демак мувофиқроқдир. Муаллиф ғазалларда ва баъзи василалар билан насрларда ўзига «Махзун» дейди. Ҳар ҳолда бу бир тахаллусдир. Исми маълум эмасдир.

Китоб 1696 саҳифаға эга бўлса ҳам жаъли қалам билан ёзилгон. Мусаввада, яъни асил нусха бўлғонидан катталиқ эътибори билан ўртачадир. Журнал саҳифаси билан 400 саҳифа чамаси келади.

Китобнинг ёзилган таърихи очик маълум эмасдир. Ёлғиз ўрта ерларида хошияларида, иккинчи ерда (1298/1881) таърихи китобининг ўзи ёзилган хат билан ёзилғондир. Бунга кўра у таърихдан сўнгра ёзилиб битгани маълум бўлади.

Мундарижоти: Олтун Бешик сулоласидан Абдурахмон Абдулкарим ўғли бошлаб, Эрдонахон, Норбўтахон, Ҳожибек, Олимхон, Умархон, Муҳаммадалихон, Султон Маҳмуд, Шералихон, Худоёрхонгача баҳс этади. Хусусан, Муҳаммадалихон замонидан ва унинг Бухоро амири тарафидан мағлуб қилиб ўлдирилганидан кўпроқ зикр этилади.

Усул эътиборила дoston ва рўмон шаклида ҳикоя ва ғазаллар ила ёзилғондир. Шу шаклда сўзга киришилади: бошидан: «Хоқон Чинни шахрида бир подшоҳ бор эди. Уларнинг номлари Абдурахмонбек эрди, уларнинг уч ўғиллари бор эди. Бирларининг номлари Норбўтабек бўлса, андин кичикларининг номлари Ҳожибек эрдилар. Абдурахмонбекнинг Эрдонабек деган инилари бор эди. Ҳар бирлари бир онадан эрдилар..».

Китобнинг Фарғонадан чиқиб кетиши бундай бўлғон: Худоёрхон Оренбургдан қочғондан кейин бошқа ном ва бошқа қиёфа билан Маккага боради. Ўн уч ой қадар ўзини танитмасдан юради. Сўнгра Абдурахим афанди номли бирисига (ҳукумат кишиси бўлса керак) ким бўлғонини билдиради ва Фарғонадан чиқар вақтида баъзи бойларга топшириб кетган ақчаларини олиб ўғилларига таслим учун уни вакил қилиб Фарғонага юборади. Абдурахим аввал Истамбулга келиб, «Худоёрхон»нинг бошқа қиёфа бирла Маккада бўлғонини «Султон Ҳамид»га хабар беради ва сўнгра Ўрта Осиёга келади. Тошкентда Худоёрхоннинг катта ўғли Муҳаммадаминбек билан кўришган ҳолда Қўқон ва Андижонларга боради ва ақчаларни бойлардан тўплаб, хонзодаларга топшириқ учун яна Тошкентга қайтмоқчи бўлади. Бу китоб ҳам шу вақтда муаллиф Маҳзун томонидан хонзодаларга топшириш учун Абдурахимга берилади.

Бу маълумот муаллифнинг ўз баёнотидан англашилади. Бундан сўнгра Абдурахим қайси йўл билан бўлса бўлсун китобни ўзи билан бирга Туркияга олиб кетади. Китобнинг сабаби таълифи, қайси йилда ёзилғони, Абдурахим афандининг баъзи ишлари ва китобининг унга топширилишининг кўрсатган фикрлари муаллифнинг ўз иловасидан нақл этамиз:

«...Маҳзун айтдики, мунча одамнинг иши саранжом бўлди. Менинг ҳам бу орада бир арзим бордир. Афанди ота мунча одамнинг арзини етказиб ўзларига дуо олдилар. Энди ман ҳам Афандига арзимни айтайин:

Зероки йигирма икки йил бўлди шул китобни бошлағонимга. Мунча йилдан бери меҳнат қилдим. Ул подшоҳ Саид Муҳаммад Худоёрхон ўзлари менга ҳукм қилдилар. Ўз ҳукмлари билан мунча битказдим. Бу китобни ўзлари қўлларига олиб ўқур эдилар.

«Суханаро» хонимга ўқутур эрдилар, кўб манзур бўлғон эрди. Аммо ул подшоҳ Худоёрхон тахт ва бахтларидан жудо бўлиб кетдилар. Менинг китобим орада қолди...

Хон ҳазрат айтиб эрдиларки, мендан бир Шоҳнома қолсин. Ул вақтда бу китоб, иқболи очилган йўқ эди. Олам бузилди... Алҳармиз ўзимга ўзим ўйладимки, менинг шунча қилғон меҳнатим бекор кетмасун. Оға Абдурахим афандига бу китобни берай, элтиб шаҳзода Саид Муҳаммадамин бегим ва Саид Умар бегимга кўрсатсанглар..». Китоб сўнг замонларда ёзилғонлигидан уни мукаммал ёзилғон деб бўлмайди. Унда оз маъно кўп сўз билан адо қилинғон, мадҳ ва саналари, ғазал ва назмлар кўп, айни замонда тартиб ва усулсиз бўлғонида маълумдир. Бунинг билан баробар Ўзбекистоннинг уч-тўрт асрлик қоронғу тарихининг бир қисмидан бир нуқтасини ёритишга ёрдамчи бўлишда шубҳа йўқдир»⁵²⁹.

Асар муаллифи Маҳзуннинг таржимаи ҳоли шу кунга қадар чуқур ўрганилмаган. 1968 йили Аҳмаджон Мадаминов томонидан Қўқон шахрида Маҳзуннинг қўлёзма девони топилган. У 199 варақдан иборат бўлиб, унга 1 дoston, 322 та ўзбек тилида, 34 та тожик тилида ёзилган ғазаллар, 7 та ўзбек тилида, 2 та тожик тилида ёзилган мухаммаслар, 2 та мусаддас, 4 та таркибанд, 2 та маснавий ва 20 та тожик тилида ёзилган рубоий кирган.

Маҳзун Уйчи қишлоғида (Наманган вилояти) яшаган ва замондошларининг ёзиб қолдирган маълумотларига қараганда, у чуқур маълумотли, яхши одобли, билимдон, маърифатпарвар ва ширин суҳбатдош бўлган. Ўзининг бир ғазалида гўзал Чуст шахрини ўзининг ватани деб атайди. Бундан кўриниб турибдики, Маҳзун Чустда туғилган. Аммо унинг асосий ҳаёти Қўқон шахрида ўтган, у бу ерда яшаган. Шунинг учун ҳам у ўзини Зиёвуддин Ҳўқандий деб атайди.

⁵²⁹ Маълумотлар Ҳ. Бобобековнинг “Қўқон тарихи” асаридан олинди. – Б. Яна қаранг: // Маориф ва ўқитувчи, 1927, № 9-10. – Б. 60-61.

Маҳзуннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қўқонлик марҳум олим А.Мадаминов қизиқарли маълумотлар тўплаган⁵³⁰.

IV.I. 24. Муҳаммадризо Марғинонийнинг «Тарихи Азизий» асари

Муҳаммадризо Марғинонийнинг «Тарихи Азизий» асари тарихий қийматига эга ёзма ёдгорлик намунаси бўлиб, унинг бизгача етиб келган ягона нусхаси муаллифнинг ўзи томонидан кўчирилган ва ҳозир у ЎзР ФА ШИ хазинасида қўлёзма 11108 рақам остида сақланади.

Асар муаллифи Муҳаммадазиз ибн Муҳаммадризои Марғиноний 27 йил Марғилон уездининг бошлиғи маҳкамасида мирзолик қилиб хизмат қилган. Отаси маҳаллий ашрафлардан, асли Чимён қишлоғидан бўлиб, (237 бет) саройга яқин мулозимлардан экан.

Муҳаммадазиз Марғиноний асарини ўзбек ва тожик тилларида ёзган. Асари 5 боб ва 166 фаслдан иборат бўлиб, умумий ҳажми 436 бет. Асар бобларининг номлари куйидагича: «Боби аввал-Чингизхоннинг хуружи ва давлатини аёми ҳукуматини ва заволини, вориси тахтини, урушини «Таворихи Нигористон»дан баён қилинур. Боби дуввум – султон Амир Темур Кўрагоннинг қилган ғазотлари ва иқболи саодатларини ва тариқай шукўҳи салтанатларини ва хурўжини, кучу қувват ва ҳукуматни миқдорининг ва ҳам валиаҳд бўлган авлодларидан баён қиладурлар.

Учинчи боб-Ҳар қайсу касбу ҳунарнинг пири ва рисоласи (ҳақида].

Тўртинчи боб-Фарғона мамолики, яъне соҳибтахт ҳазрати хонларини бергон ёрлиғлари.

Бешинчи боб - ...?

Кўриниб турибдики, асарнинг охириги икки боби Ўрта Осиё ҳақида, Қўқон хонлиги тарихига бағишланган. Аммо асарнинг охиригача тартибга солинмагани учун бошқа фаслларида ҳам Қўқон хонлигига тегишли тарихий, маданий ҳамда хўжалик ҳаётига оид маълумотлар бор. «Тарихи Азизий» кенг манбалар, халқ оғзаки ижоди, ёзма асарлар, воқеалар иштирокчилари маълумотлари асосида ёзилган бўлиб, муаллифнинг эсдаликлари ҳам ишонарли даражада баён қилинган. Муҳаммадризо ёзадики, «қайда мен тарихий асар ёки ахборотни кўрган бўлсам кўрдим, баъзи ишонганим ривоятларни ёзиб олдим, ҳаётим давомида юз берган, кўрганим ва эшитганим бошқа ишларни ҳам ёзиб олдим. Ўз кўзим билан кўрмаган, лекин халқдан эшитганларимни ҳамда ҳақгўй қарияларданким, воқеалар ичида бўлганлардан эшитим, ёздим» (8 бет)⁵³¹.

Муҳаммадазиз баъзи воқеалар баёнидан олдин ёки ёзилмаганидан сўнг материал берган ахборотчилар номлари ёки манбаларини айтиб ўтади. У «Тарихи Нигористон» (Мавлоно Аҳмад ибн Муҳаммад ал-маъруф ба қози Аҳмад ал-Таффорий) 875 ҳижрий, 1567 милодий йили ўлган)нинг асаридан кўп қисмлар ва парчаларни кўчириб, баъзиларини таржима қилмасдан келтирган. «Тарихи Азизий»да куйидаги асарлардан ҳам иқтибослар бор: «Табакоти Носирий» (муаллифи Минҳожиддин Абу Умар Усмон ибн Сирожуддин Муҳаммад Жузжонийнинг асари), «Тарихи Гузида» (Ҳамдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Аҳмад Насри Муставфи Қазқинийники), «Матлаъ ас-саъдайн ва мажмаъ ал-бахрайн» (Камолуддин Абдураззоқ ибн Жалолуддин Исҳоқ ас-Самарқандийнинг асари), «Зафарнома» (Али Яздийники), «Тарихи Аҳмад ибн Ассам» (аниқроғи, «Китоби футуҳ ал-булдон», «Тарихи Аъсам Куфий» номи билан ҳам машҳур, муаллифи Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Аъсам ал-Куфий ёки Муҳаммад ибн Али ибн Аъсам ал-Куфий. Бу асар форс тилидаги таржимаси билан кенг шуҳрат топган. Мутаржими Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Муставфи ал-Ҳаравий, Муҳаммадризо шу таржимасидан фойдаланган бўлиши мумкин, «Нузҳат ал-қулуб» (Ҳамдуллоҳ Муставфий Қазвинийники), «Масолик ва мамолик» (ал-Истархийники), «Ҳабиб ас-сияр фи ахбори афроди-л-башар» (Хондамир, Фиёсуддин ибн Хумомуддин Муҳаммадники) ҳамда тарихчи Муқаддасий, «Ҳидояи шарифи Имом Бурҳонуддин», «Васоёи Шайх Шаҳобуддин Сўхравардий (аниқроғи, Яҳё ибн Ҳабаш (Шаҳобиддин Мақтул) (Сўхровардий), «Сайрам ҳақида рисола» (?), «Тарихи Юсуф Сажовандий» (?), «Тарихи Баҳмун Дамишқий» (?), «Тарихи Хусрав Дехлавий (?), «Тарихи имом Нофеий» (?), «Марвнинг мухтасар тарихи», «Самарқанд тарихи», Ҳотиф асари («Темурнома» номли асари бўлса керак), «Тузуки Темурий» асарлари номини келтирган. Муҳаммадризо баъзи этнонимларин шарҳ беришда «Ғиёс ал-луғот», «Сирож ал-луғот», «Бурҳоний қотей» ва «Мунтахаби халли луғот» номли асарлардан фойдаланганини ёзади(210-211, 216 бет].

«Тарихи Азизий» асарининг ўтган асрнинг иккинчи ярмига тегишли маълумотлари жуда аҳамиятли бўлиб, асарнинг оригинал қисмини ташкил этади. 60-йилдан бошлаб тарихий воқеа ва ходисаларни Муҳаммадазиз шоҳид ва иштирокчи шахс сифатида баён қилади. Унинг

⁵³⁰// Адабий мерос. – Тошкент, 1973. – Б. 186-188. Яна муфассал қаралсин. БобобековХ. Қўқон тарихи. – Б. 23.

⁵³¹ НабиевР. Из истории Кокандского ханства. – С.15.

маълумотларидан Қўқон хонлигида 70-йиллари бошларида содир бўлган воқеалар тафсилоти, бу давлатнинг Русия маъмурияти остида XIX асрнинг охиригача бўлган вазияти баёни олимлар ва тадқиқотчилар учун жуда муҳимдир. Давр тақозоси билан Муҳаммадазизнинг шу маълумотлари илмий изланишлар доирасидан четда қолган. У ўлка шаҳарларини Русия қўшини томонидан босиб олиниши, уларнинг сиёсати, янги тузум тартиби, унинг ижобий ва манфий томонлари, зулм ва ситамларининг ошиб бориши, Дукчи Эшон кўзғолони, вилоятлар ҳокимларининг сиёсатлари, хирож ва солиқ масалалари ҳақида қимматли қайдлар ва эсдаликлар қолдирган.

«Тарихи Азий»нинг яна бир аҳамияти шундаки, унда Марғилон вилоятининг ўтмиши, тарихий, маданий ҳаёти ва хўжалик вазиятига тегишли бўлган ниҳоят қимматли маълумотлар ҳам берилди. Асарда намуна ва манбалар сифатида Қўқон хонларининг ёрлиқлари келтирилган, эпиграфикага тегишли қайдлари бизга унинг жиддий тарихнавис эканини маълум қилади.

Шу асарнинг муаллиф ҳаёти ва замонасига тўғри келувчи қисмини олимлар томонидан нашр этиш Ўзбекистон манбашунослиги тараққиётига қўшилган катта ҳисса бўлар эди.

Матн 27x16,5. 15 сатр. Хати сулс. Рус дафтар чизма қоғози. Унда сувли нақш ва «Товарищество Кувшинова, №6», - деган ёзувлар бор, матн ҳар хил - қора, бинафша, қизил рангларда ёзилган. Баъзи варақлар бўш.

Муқоваси қора рангли қалин мағздан бўлиб, мунаққаш 3 та тамғаси бор. 219 варақ.

IV.I. 25. Муҳаммадюнус ибн Муҳаммадамин – «Тоиб» ва унинг асарлари.

Туркистон халқларининг зукко олими ва доно давлат арбоби Муҳаммадюнус ибн Муҳаммадамин ал-мутахаллис ба «Тоиб» 1830 йили Тошканднинг Себзор даҳаси, Кунжак маҳалласида оламга келган. Ибтидоий маълумотни Тошкентда олиб, мадрасани Қўқонда тамомлаган. Мулло Муҳаммадюнус Тоиб Қўқон хонлиги ҳамда Шарқий Туркистоннинг тарихи ва маданиятида катта из қолдирган шахслардан. У 1860 йили Қўқон саркардаси амирлашкар Мулло Алиқули ибн Ҳасанбий (1830-1865) хизматида ўтиб, аввал мирзо, кейин мирзабоши, додхоҳ ва шиғовуллик мансабига кўтарилди. Тоиб Алиқули ишончини оқлаб Қўқон хонлигида энг йирик давлат амалдорлари даражасига кўтарилган. Масалан, Алиқули мирзабошилик мансабини Тоибга берар экан, унинг вазифасини қуйидагича аниқлаб беради: «Фарғонани хирожини ва танобона ва закот ишлари, аскарининг қишлоқ ва ғаллоти, қишлоқлар ижороти, сарқору амлоқлар таҳқиқи ва ҳисоби, аскария яроғу-аслаҳа дафтари сизга тааллуқлидир. Булардан яхши хабардор бўлунг ва муқоҳила қилманг». Буни устига Тоибга амирлашкар Алиқули меҳтар, сарқор, саррофни ҳам мирзабоши иттифоқи киритади⁵³².

Мулло Муҳаммадюнус 1860-1865 йиллари амирлашкар Алиқулига шахсий маслаҳатчи бўлиб, Қўқон хонлигининг ички ва ташқи сиёсатида оид ишларда фаолият кўрсатган. Муҳаммадюнус маслаҳати билан 1860 йилларнинг бошларида Хитой, Афғонистон, Туркия, Англия ва Россияга элчилар юборилган. Тоиб баъзи элчилар номзодини хон ва амирлашкар Алиқулига ўзи таклиф қилганини асарларида таъкилаган.

У Авлиёота ва Туркистон ҳимоясида, Чимкент ва Тошкент мудофаасида фаол қатнашган. Тоибнинг Тошкент ҳимоясида фаол қатнашгани ҳақида «Тарихи жадидаи Тошканд» муаллифи Муҳаммадсолиххўжа Тошкандий ҳам маълумот беради⁵³³.

Тошкент руслар қўлига ўтгандан кейин 1865 йилининг охирида Муҳаммадюнус Шарқий Туркистонга бориб, Ёқуббек Бадавлат томонидан тузилган «Етти Шаҳар» давлатининг Ёрканд шаҳрида ҳоким бўлади⁵³⁴. 1877 йили Ёқуббек ўлиmidан сўнг, Тоиб Қўқонга қайтиб келиб ижод билан шуғулланади. Мулло Муҳаммадюнус тахминан 1905 йили 75 ёшда оламдан ўтган.

Тоибнинг учта асари бизгача етиб келган. Шу асарлардаги айрим таржимаи ҳолга оид маълумотлар тадқиқотчиларга Тоибнинг ҳаётини ва дунёқарашини ёритиш учун ҳамда Қўқон хонлиги ва Туркистон ўлкаси тарихи ва маданиятида унинг ўрнини кўрсатиш учун ёрдам беради.

«Тарихи Алиқули амирлашкар» асарини Муҳаммадюнус Алиқулининг ўғли Шермуҳаммаднинг илтимоси билан ёзган. «Тарихи Алиқули амирлашкар» асарининг бир нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида кўлёзма 12136 рақами остида ва яна бир нусхаси Ш.

⁵³² Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар // Кўлёзма. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинаси, №121136. – Б. 125-126.

⁵³³ Муҳаммад Солиххўжа Тошкандий. Тарихи жадидаи Тошканд // Кўлёзма Ўз ФА Шарқшунослик институти хазинаси II жилд, 11073. Илова – Б. 6-7.

⁵³⁴ Муфассал қарилёс Охунд. Ёқуббек Бадавлатнинг охириги кунлари // Кўлёзма ЎзФА Шарқшунослик институти Х. Сулаймонов фонди. № 417. – 45 в.

Воҳидов қўлида сақланади. Асар Қўқон тарихида муҳим ўрин эгаллаган, Султон Саййидхон даврида (1863-1865) Қўқон хонлиги амирлашқари бўлиб, рус босқинчиларга қарши урушларда қатнашиб, Тошкент ҳимоясида ҳалок бўлган Алиқули ибн Ҳасанбий ибн шоҳ Мирзога бағишланган.

Асарнинг қиммати шундаки, у Туркистон халқи қаҳрамони Алиқули амирлашқарнинг фаолияти ҳақида зарур маълумот беради. Асар ўзбек тилида бўлиб, боблар номи биринчи фаслдан ташқари ҳошияларда келтирилган. Асар таркиби қуйидагича:

Муаллифнинг Сўзбоҳиси;

Амирлашқари марҳумнинг ибтидои сипоҳгарчиликка аралашқанларини баёни;

Урусия лашқари бирлан мусулмония лашқарини ибтидои уруш қилғонлари;

Урусия иккинчи мартаба Оқ Масжидни муҳосира қилғони;

Учинчи мартаба Урусия асқари Янги Қўрғонни муҳосира қилғони;

Амирлашқари марҳумни Чимкент узесига (уездига) Урусия муҳорибасига отлангонларини баёни;

Амирлашқари марҳум Иқон муҳорибасига отлангонлари;

Амирлашқари марҳум Тошкандда Черняюф женерол билан муҳороба қилиб шаҳид бўлғонлари.

Муҳаммадюнус Тоиб шу асарини ёзилиши сабабини шундай баён қилади:

«...жаноби жавҳари шамшири шижоат, қуввати бозуи шаҳомат, яъне абулфатҳ Мулло Алиқули амирлашқар, шаҳиди марҳум, ибтидон тулуи офтоби давлатларидан то ғуруби моҳичаи умр ва иқболларигача давлатосо мулозими рикоби ҳумаюнида эрдим. Хусни ихлос ва ақидаси иқтизо қилур эрдиким, ул зоти олисиротнинг аёми саболаридан то ҳангоми шаҳодатларигача вақоеъ ва ахборотларини таҳрир силқиға чекиниб, бир яхши китоб қилсам. Муни ўзасиға ул шажараи Тоиба самаралари Мулло Шермуҳаммад мирзои мингбоши ҳам илтимос қилдиларки, ул жанобни вақоеъ ва ахборотларини сиздан яхшироқ биладурғон одам йўқ. Ул зоти ҳужастасирот (отам) зикрларини бир ёднома китоб қилиб берсангиз, токи ойинаи хосу омдан мунқатиъ бўлуб қолмағай эрди деб. Агарчи бандаи ҳақирда шайхухат (қарилик) ғалабат ва мунинг узусиға бел ва оёқ оғриқ оризаси ва дахли, мунга кўз оғриқ ва суқути иштиҳо муназзам бўлуб, қуввати заъф ва заъф қувват тофиб ёзмок ва таҳрири қилмоғга мажол ва қудрат боқи қолмоғон эрди, аммо ул жанобни зикри лаззати мадади бирла ўз кўзум бирлан кўрганларимни ва кўрмпгпн бўлсам ул жанобни фарзанди аржмандлари Мулло Шермуҳаммад мирзои мингбошидан сўраб бу асарга шуруъ айладим». (2-4 бетлар].

Асарнинг биринчи фаслида Тоиб Алиқули амирлашқар таржимаи ҳолига оид қимматли маълумотларни келтиради. «Унинг насаблари қирғиз-кипчоқ жамоасидан бўлуб, исми шарифлари Алиқули Ҳасанбий ўғли эрди ва волидаи шарифлари Шаҳарбону биби эрур. Мазкурлар Хўқанд уезида Навқут вўлустида Бужан Бутган деган мавзусида турғучи фуқаро аҳлидан эрдилар. Қиладурғон ишлари қўй, мол ва йилқи тўхтатиб боқиб, ушбулардан фойдаланиб юрардилар. Мазкур мавзеда Мулло Алиқули амирлашқар ва яна бир қиз вужудга келди. Амирлашқар икки ёшлик вақтларида оталари Ҳасанбой вафот қилиб волидалари қўлларида ёш ва сағир қолди. Волидалари акалари Мулло Дўст Охунд деган то олти етти яшар бўлғонларига шу мавзеда ўқуб, саводлари чиққандан сўнгра, андин Қўрғонтеффа вулустига кўчуб келиб, андин Андижонда Оқ масжид мадрасасида бир-икки йил ўқиб, андин сўнгра, Хўқандга боруб Махдум ҳожи-раис жаноби домулло Аёз махдум марҳум ўғиллари хизматларида ўқуб, фи-л-жумла илм ва хат ҳосил қилдилар; шул аснода тахминан жаноби амирлашқари марҳум 18 яшар бўлғон эрдилар. Андин амирлашқар ҳамшираларини олган Тағойқул додхоҳ. (Алиқулини) олиб келиб, баъзи сипоҳгарчилик ишларига бир неча вақт аралаштируб, ул ерда ҳам хизмат ишларини яхши қилиб туриб, андин яна Қўрғонтеффага бўлусларидан ишларини яхши саранжом айлаб, фуқаро ва халққа нафъ ва осойиш етказиб, кундан-кун ривож ва равнақлари зиёда бўлди...

Амирлашқар Маллабекка навқар ва йигит бўлғонларида 22 ёшда эрдилар» (9-10 бет].

Асарда Тоиб Туркистон халқлари тарих саҳифаларининг энг ёритилмаган жойларига тегишли муҳим маълумотларни бериб, шу заминининг ўша даврдаги тарихий-сиёсий аҳволини муфассал баён қилади, Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши тафсилотларини, ҳар хил кучларнинг ўзаро муносабат ва низоларини ҳам ёритиб беради. Асар «Шарқ юлдузи» ойномасида (1995, 1-2 сон) ҳамда Лондонда инглиз тили таржимаси билан (Routledge Curzon, Teylor&Frencis Croup, 2001 йили) тарихчи Темур Бейсембиев томонидан чоп этилган. Бу асарнинг нашри Туркистонни XIX асрда истило бўлиши масалаларини, халқ қаршилигини тарихини кўрсатишда муҳим манба саналади.

Муҳаммадюнус Тоибнинг кейинги асари «**Ҳадиқат ал-анвор**» (Нурлар бўстони) китобидир. Бу тарихий асар 1887 йили тожик тилида ёзилган. «Ҳадиқат ал-анвор» асарининг охиригача кўчирилмаган нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти хазинасида 596 рақамли қўлёзма ичидан жой олган. Тоиб кириш қисмида ёзади: «... аммо баъд бу ноиб банда ... арз қиладурким,

болалиқ чоғидан бу кунларгача, умр оти кеча кундуз аблақидан эллик етти ҳаёт манзилидан ўтди. Баъзан вазорат тўнини кийдим ва баъзан кўлимга тиғ олиб аморат (амирлик) кулоҳини бошимга кийиб, кечаю кундуз дор устунлари азобида нафас тортдим... Сана 1285 (милодий 1868-69) йилида ислом давлати Қошғар ва Фарғонада охирига етди ва тақдир хомаси уларнинг фармонраволикига насх хатини чизди, аморат гулистонида тарқоқлик ғунчаси гуллаб, вазорат дарахти самонсизлик уруғидан ҳосил берди (188^{а, б}].

Бу ерда тилга олинган «вазоратлик тўни» Тоибнинг амирлашкар Алиқули ва Султон Саидхон даврларида Қўқон давлатида эгалланган мансаб ва мартабасидан, «амирлик кулоҳи» эса Қошғарда халқларининг Хитой ҳукуматига қарши ҳаракатларида иштирок этиб, Ёркандда ҳокимлик қилганидан маълумот беради. Яна бу иқтибосдан 57 ёшда, яъни асар 1887 йили муаллиф 57 ёшдалигида яратилганлиги маълум бўлади.

Мулло Муҳаммадйонус Тоиб асарининг мазмуни ва таркиби ҳақида ёзади: «... Бу китоб биноси уч ҳадиқа (боғ, бўстон)дан иборат бўлиб, номи «Ҳадиқат ал-анвор»дир. Биринчи ҳадиқа «Фарғона султонларининг зикри». Иккинчи ҳадиқа «Қошғар воқиоти ҳақида». Учинчи ҳадиқа «Фарғона, Туркистон, Қошғар билоди ва қасабалари ҳақида» (189^а]. Лекин асарнинг шу нусхаси охиригача кўчирилмаган. Муаллифнинг режаси амалга ошганми? Бу саволга ижобий жавоб бериш мумкин. Чунки Муҳаммадйонус Тоиб 1887 йилдан кейин «Тарихи Алимқули амирлашкар» ва «Тухфайи Тоиб»ни ёзган. Бунинг устига иккала асар муаллифнинг ёши 70-дан ўтгандан кейин ёзилганини назарда тутсак, эллик-олтмиш ёшлиқ чоғларида «Ҳадиқат ал-анвор» асарини ёзиши анча осон амалга ошар эди, деб тахмин қилсак бўлади. Ҳар ҳолда, бу асарнинг бошқа нусхаларини ва муаллиф кўлёмасининг топилиши бизнинг тахминимизга аниқлик киритади, деб ўйлаймиз. Бизнинг нусхамизда биринчи боб воқеалари баёни Муҳаммадалихоннинг тахтга ўтириши билан (1822-23 йили чегарасида) узилиб қолган. Котиб Бобоҳўжа ибн Мир Убайдуллоҳ ҳам шу воқеаларнинг китобатидан сўнг, «марҳум Мулло Юнусжон шиғовул ушбу «Ҳадиқат ал-анвор» тарихи нотаомлари бу ерда итмомина етди» – деб ўз қайдларини ёзиб, «1332 рабий ал-аввал (милодий 1914 йили январь ойи) сана ҳам кўйган. тахминимизча бу котиб кўлига тушган нусха ҳам ноқис бўлиши мумкин. Бу асарнинг нусхасини 1913 йилининг охирларида Аҳмад Заки Валидов ҳам шахсий бир кутубхонада кўрган экан⁵³⁵.

«Тухфайи Тоиб» – «(Мулло Муҳаммадйонус ибн Муҳаммадамин) Тоибнинг тухфаси». Бу асарни «Тарихи Алиқули амирлашкар»га ўхшаб Тоиб Алиқулининг ўғли Мулло Шермуҳаммад мирзо илтимоси билан 1903-1905 йиллари ўртасида ёзган.

Тоибнинг бу асари ҳам Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида кўлёмза 4243/II рақами остида сақланади.

«Тухфайи Тоиб» Муҳаммадйонус Тоибнинг биографик – тарихий асари. Мазкур асарнинг 2002 йили Токиода нашр этилиши Тоиб ижодига қизиқишни яна орттирди (Central Asian Research Series No 6. 2002]. Тоиб бу асарида Шермуҳаммад ва дўстларини қизиқтирадиган бир муаммони асарида ҳал қилмоқчи бўлган. Бу муаммо шундан иборат бўлганки, Туркистон руслар – «аҳли насоро» томонидан босиб олинади. Бу ерда уларнинг тартиботи, қонунлари ўрнатила бошлайди. Мусулмонлар насронийлар билан яқин алоқада, баъзи жойларда бирга бўладилар. Шунда улар билан мулоқотда бўлиш тартиби ва муносабат қоида ва қонунлари қандай бўлиши лозим? Энг асосий масалалардан бири – Тоибнинг ўзи «силоҳ» ва қурол билан эмас (Дукчи эшонга ўхшаб), балки маърифат ва илм воситаси билан мустамлакачиларга қарши чиқиш масаласини кўтаради.

Тоиб асарининг 3 бобидан фақат биринчи бобига ном қўяди... «Боби аввал: Дар баёни жал ва ҳурмати таоми аҳли китоб ва жувози духули онҳо ба манзили муслимин» (Китоб аҳлининг таомларини ҳалол билиб, ҳурмат қилиш ва уларга мусулмонлар хонадонларига киришлари учун ижозат борлиги ҳақида)⁵³⁶ – 26^а вар. Тоиб замонаси шароити ва вазиятига муросо қилиш, бор ҳақиқатни, Туркистон бошига тушган тақдирни тан олишга ўқувчиларни даъват қилади. XX асрнинг бошларида «энди, - дейди у, - Алиқули амирлашқари шаҳидга ўхшаб бу кучли панжага қарши чиқиб, Русия фирқаси билан муқотила ва муҳориба қилиш Мовароуннаҳр ва Туркистон аҳолиси учун бўлмайди, улар билан мусолиҳа ва мусолима қилиш хайрли ишдир». Ўзининг хулосаларини Тоиб «Қуръони карим», ҳамда «Ҳадис»лар билан исбот қилиб, уларнинг аслидан иқтибос келтириб, тафсир қилган. (қар.: 26^б, 27^{а, б}, 28^а, 29^а, 30^{а, б}, 31^б, 32^а, 37^{а, б}].

⁵³⁵ СториЧ. А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. В трех частях, часть 3. – Москва: Наука, 1972. – С. 111, 119.

⁵³⁶ Тухфайи Тоиб. 26^а вар.

Тоиб ўз бошидан кечирган ҳаётини тажрибаларини ўқувчиларга маълум қилиб шундай ёзади: «банда Тоиб, эллик йилдан буён Оқ Масжид воқеасидан бошлаб, Русия билан мусулмон султонлари ўрталарида воқеъ бўлган ҳамма урушларида, қатнашдим, муқотила ва тарқоқликларни кўрдим ва Россия қўшинлари кучлари, қурол-аслаҳалари кўплиги Фарғона ва Туркистон халқларининг ақли ноқисларига сиғмайди». (39^б].

«Мен, – деб ёзади Тоиб, – ўша вақтларда аниқ билдимки, Русия билан сулҳ тузиш керак. Лекин бу маслаҳатимга ҳатто жаноби амир Муҳаммадқуббек Ғозий ҳам қулоқ солмади». (40^а].

Дукчи Эшон кўзғолони натижасида Россия яна бир марта ўз куч-қудратини кўрсатди. Халқ анча жафо ва зулм кўрди. Асарнинг 40^б-44^а варақларида Тоиб шу Дукчи Эшон ҳаракатига, унинг шахсиятига ўзининг ўта салбий муносабатларини билдириб, ана шу фикрларни таъкидлаб ўтади. Таърихлар, рубоий, фардлар билан у Эшонни танқид қилади ва унинг фаолияти оқибатида халққа кўп жафо тегди, дея хулоса чиқаради. Масалан, Тоибнинг Дукчи Эшон ҳақида битилган бир рубоий ва фардини келтирамиз. **Рубоий:**

Шайхе, ки наёфт баҳра аз илм нахуст,

Аркини амал насозад аз саъй дуруст.

Тоиб, мардеки қутби олам дидй?

Дидам, ба сажодаи худ риду нашуст

Таржимаси:

«Илмдан аввал баҳра кўрмаган бўлса шайх,

Минг саъй-ҳаракати ҳам амалини йўққа чиқаради.

«Кўрдим у ўз жойнамозига тупуриб уни юлмади ҳам»].

Фард:

Пир агар ину каромат ин ки, шуд аз вай паид,

Мухлиси кўйи мўридам кў ба риши пир рид⁵³⁷.

Таржимаси:

Агарда пир бу ва кўрсатилган каромати шу бўлса,

Мен ўз пири юзига тупирган муриднинг мухлисман].

Тоибнинг бу қайдлари шуни кўрсатадики, Дукчи Эшон кўзғолони ўша даврдан бошлаб замонаси аҳлига ҳар хил таъсир этган ва замондошлар томонидан ўша вақтдан оқ ҳар хил баҳоланган. Ҳар ҳолда Тоибнинг мавқеи ҳам олимлар диққатларидан четда қолмагани маъқул. Бунинг устига Дукчи Эшон ҳаракатининг давлат арбоби, қози томонидан салбий баҳоланиши қизиқарли деб ўйлаймиз.

Асарнинг хотимасида қуйидаги қайд бор. «Катаба фа шаҳри жимода-с-сони мин шухури сана 1323 фи билдати Хўқанд(жимода-с-соний ойи сана 1323/3 август-1 сентябрь 1905 йили Хўқанд диёрида ёзилди)».

Матни 21,5 х 14. саҳифада 15 сатр. Кўқон қоғозида, насталиқ хати билан қора сиёҳда кўчирилган. Ажратилган сўзлар ва жумлалар остида қизил ранг билан чизилган. Муқоваси қалин мағздан, қуйма (рехта), таякиси ва лабакийлари қизил чармдан.

Мусулмон Шарқ тарихий тафаккурини ўрганиш тарихшуносларнинг муҳим илмий йўналишларидан ҳисобланади. Кўқон тарихнавислик мактабининг намояндлари бўлган тошкентлик Абу Убайдуллоҳ, Муҳаммадсолиҳхўжа, Муҳаммадюнус Тоиб, Мирзо Олим ибн Мирзо Раҳим Тошкандийлар ҳам мусулмон историографияси ва историософияда муҳим ўрин эгалладилар. XIX асрда Ўрта Осиё давлатлари ҳудудида яратилган тарихий мазмунидаги асарларни таҳлил қилиш, муаллифлар ҳаётлари ва ижодларини ўрганиш келажакдаги амалий ишлар доирасига киради, деб ўйлаймиз.

IV.I. 26. Муҳаммадфозилбек ибн Қози Муҳаммадотабек ва унинг «Мукаммали тарихи Фарғона» асари

Муҳаммад Фозилбек асли андижонлик. У қози Муҳаммадотабекнинг ўғли бўлиб, бу асарини Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори Гиппиус илтимоси билан ёзган. Асар муаллифининг дастхати ЎзР ФА Фундаментал кутубхонасида сақланади (№09 648]. Шу дастхатдан кўчирилган яна бир нусха Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида (қўлёзма №5971) ҳам бор.

⁵³⁷ Тухфайи Тоиб. 47^а вар.

«Мукаммали тарихи Фарғона» муаллиф фикри бўйича икки жилддан иборат бўлиши керак эди. Биз тавсиф қилаётган нусха шу асарнинг иккинчи жилди бўлади.

Муҳаммад Фозилбек асари ўзбек тилида бўлиб, кириш қисмида муаллиф шундай ёзади:

«Фарғона музофотининг дор ас-салтанати, Хўқанд шаҳрига ибтидои биноси ва ободонлигидан тортиб, ўтган хонларини тарожим аҳволи ва таворихи ва воқеи аём ва инқилоби асру хонлари тарихи вафотлари ва аёми ҳаётлари ва муддати салтанатлари ва футухотлари ва мобайнларидаги жангу жилод ва хусуматларини бар сабили ажмол қаламнинг рўи таҳририга иқдом, хусусан жаноби амир ал-умаро шаҳаншоҳи маснаднишин, аъзами салотин Норбўтахон замонидан тортиб, то жаноби Саййид Муҳаммад Худоёрхон асриғача вужудга келган ажойиб шўриш ва фитналарнинг, воқўе ва жангу инқилоби, замона ва ҳаводиси давронни кўзи билан кўрган ва донишли мўътамад одамлар ўз вақтларида таҳлил қилгон китоб ва хутутлардан интихоб айлаб, барои ёддошти аҳволи хавонини Хўқанд бар сабили таҳқиқ таҳрир қилинди (1-8 бетлар].

Асарнинг таркиби қуйидагича:

- Шоҳруххон салтанатининг ибтидоси (10 - 19 бетлар);
- Шоҳруххон асридаги уламо, машоих ва авлиёлар (19 - 20 бетлар);
- Баёни аҳволоти Абдураҳимхон ибн Шоҳруххон (21 - 26 бетлар);
- Салтанати Абдулкаримхон (27 - 30 бетлар);
- Эрдонахон даври (30 - 31 бетлар);
- Норбўтахон даври (32-37 бетлар);
- Олимхон хонлиги (37-75 бетлар);
- Амир Умархон даври (75 бет) ва унинг мўътабар ҳамасрлари;
- Муҳаммадалихон даври (94 бет);
- Шералихон салтанати (112 бет);
- Шоҳмуродхон замони (132 бет);
- Худоёрхоннинг даври (133 бет);

Асардаги баъзи қимматли маълумотларига диққат қилсак, улар қуйидагилардан иборат: Шоҳруххон жулуснинг йилини (1121 ҳижрий йили, милодий 1709 йили) кўрсатиш мумкин. Фозилбек Бобобек (1 йил), Сулаймонбек ибн Шодибек хонлиги ҳақида маълумот келтиради. Сулаймонбек суфитабъ сифлапарвар ва бадхўйлигидан 6 ой ҳукм сурди, кейин ўлдирилди ва Норбўтахон 30 йил хонлик қилди. Норбўтахон Мир мадрасасини қурмоқчи бўлиб, Бухородан усталарни даъват қилган экан.

Олимхон даврига оид муҳим маълумотлар.

Олим-золим (28 вар.) энг аввал ўз душманлари Тошмуҳаммад Мирзо, Хонхўжа, Бузругхон, Рустамбекларни ўлдиради. Қолганлар Ражаб қўшбеги-тожик, Қурбонмуҳаммад Мирзо (унинг ўғли), Ғариб Дўст ясовул, Мулло Ашур Муҳаммад, Худойкули баҳодур қочиб қутуладилар. Булар Норбўтахон вафотидан сўнг Олимхон номзодини қувватламаганлари учун қувғинга дуч келгандилар. Фозилбек Олимхон томонидан тожиклар, сартия ва бадахшонийлардан иборат қўшин тузгани ҳақида маълумот берган (49 бет]. Олимхонни Ўратепага юриши ва қаттиқ жанг натижасида уни фатҳ этиб, у ерда Қадим иноқни ҳоким ва Раҳматуллоҳ қўшбегини ноиб этиб қайтади. Олимхоннинг эшон ва сўфиларга қарши сиёсати ва ўзини жаҳрия тариқасига киргани ҳақида маълумот.

Олимхонни Юнусхўжа Тошкандийга қарши юриши ва Тошкентни қамал қилиши натижасида Олимхон-золимхон номини олиши. Тошкент муҳосираси вақтида «ҳатто қассаблир сўйган қўйлар қонини нечанд одам қосаларга олиб, ёш болалариға ялатур эрдилар, дарахтлар баргини, гиёҳлар томирини қовлаб едилар. Ушбу ҳолда золим амир деб шуҳрат топган Олимхон (60-бет]. Юнусхўжа Тошкентдан қочади ва Лашкар девонбеги Тошкентга ҳоким бўлади. Дашти қипчоққа юриш қилиб қозоқия аҳолисини ҳам ўз итоатига киритмоқчи бўлганида лашкардагилар норози бўлиб, саркардалари Мўминбек қатоқий, Баҳодурбек ва бошқалар Умархон тарафига ўтиб, Қўқонга қайтадилар. Қайтишдан олдин Русияга юбориладиган 300 туядан иборат карвонни талон-тарож қиладилар (68-70].

Яна бир муҳим маълумот: Муҳаммадфозилбек Умархоннинг мўътабар замондошлари номларини келтиради. Булар Зокирхўжа эшон-шайх ал-ислом, Мавлавий Намангоний, Домулло Мирзо қозикалон, Домулло Мўминжон, Домулло Абдулкарим, Домуллозода, Ҳазрати Мавлавий Қобулий, Ҳазрати Домулло Ориф Пискандий Махдуми Ҳаммомнинг отаси, Исҳоқжўра, укаси Султон Тўра Аҳрорий (Адо тахаллуси билан машҳур шоир), Маъсумхон тўра, Тўрахўжа Хўжакалон, Жаҳонгир тўра, Саййид Офокхўжа ва бошқалар. Бу маълумот Қўқон тарихида ўрин олган шахсларнинг персонофикацияси (ташахуси)да ёрдам беради.

Муҳаммадалихон, Шералихон, Худоёрхон даврларига оид маълумотлар кўпинча «Тарихи Шоҳрухий» асосида ёзилган ва Муҳаммадфозилбек шу манба таъсирида қолиб кетган.

Асар майда настаълиқнинг муллои хатида, қора ва қизил сиёҳда, муҳрли қоғозда кўчирилган. Шахслар номи кириллица ҳарфларнинг босма шаклида ёзилган. 21x14, матни 5 сатрдан иборат. Муқоваси коленкордан ва тилларанг мунаққаш бўлиб, титул варақасида босма ҳарфлар билан русча «Главная история Фергани, составил Ф.Атабек Казиев» деб ёзилган. А.А.Семенов хулосасига қараганда «бу кўлёзма тўлиқ маънода ҳади қиладиган нусхадир».

IV.I. 27. Мулло Олим Махдум Ҳожи (Абдулқосимов)нинг «Тарихи Туркистон» асари

«Туркистон тарихи» (Тарихи Туркистон) муаллифи Мирзо Олим Махдум ҳожи узоқ йиллар «Туркистон вилояти газети»да муҳаррирлик қилган маҳаллий зиёлилардан бўлиб, таржимаи ҳоли аниқ ва батафсил маълум эмас. Унинг «Тарихи Туркистон» асарининг биринчи қисми 1908-1915 йиллар давомида ўзи бошчилик қилаётган газетада босилиб чиққан ва 1915 йили Россия империяси томонидан Тошкентнинг босиб олинишининг 50 йиллик санаси муносабати билан алоҳида китоб ҳолида Туркистон генарал-губернатори ҳарбий округи босмаҳонасида чоп этилган⁵³⁸. Бироқ, асарда кўпгина техник хатолар, ҳарфларнинг хато терилиши кўзга ташланади.

Асар Туркистон хонлари тарихига бағишланган бўлиб, унда ўлканинг кейинги 50 йил давомида юз берган ўзгаришлари маҳаллий муаллиф томонидан таҳлил қилинади. У 1915 йили «.. мусулмония асри илан эллик йил миёнасида фарқ ва тафовутини андин баён айлаб, тарихнинг биринчи жилдини тамом қилдим», деб асарининг иккинчи жилдини бошлаганини маълум қилади.

Мазкур асарнинг Кўқон тарихчилари асарларидан фарқи шундаки, муаллиф унда Кўқон хонлиги тарихидан сўнг Бухоро амирлиги ва Хоразм давлати тарихини қисқача баён қилади.

Муаллиф Россия империясининг Туркистон шаҳрига бостириб кириши ва уни ўз тасарруфига киритишини қуйидаги мазмунда таҳлил қилади:

«Туркистон шаҳрига Мирзо Давлат тожикни ҳоким қилиб кетгандин кейин Мирзо Давлат кибр ва ғурур илан сарҳадда қараб ва пойлаб турган улуғ Россия давлатини кўзга илмай ва атрофидаги қозоқияларнинг ғариб ва бечоралик ва давлатхоҳликларини андиша ва мулоҳаза қилмай, беш кунлик ҳукуматга мағрур бўлуб, бир неча қароқчиларни Туркистонга йиғиб, элатияларни талон-торож ва бетинч қила бошлабдур. Мирзо Давлатнинг бул тариқа ёмон феъли ва зулмидин элатия халқи вабийлари танг бўлуб қочар ва ноиложликдин онинг итоатидин чиқиб, Россия ҳукуматиға тобе бўлмакни ихтиёр қилибдур. Билохир, ул золимнинг зулми ва шарри касофатидин мажмуи элатия ва узбакия ва Туркистон атрофидаги қозоқиялар Россияларға бориб айтибдурларким, алҳол Туркистон шаҳри ичидаги халқдин бошқа ҳамма тавобиотлари Россиянинг таҳти тасарруфиға киргандур. Моварауннаҳр хонлари, чунончи, Бухоро ва Хўқанд хонлари орасида адоват ва хусумат пайдо бўлуб, амири Бухоро Фарғона мамлакатини таҳти тасарруфиға олмоқ муддаосидадур. Агар Бухоро ва Фарғона бир мамлакат бўлуб қолса, ул ҳолда Бухоро маҳкуми икки пойтахтни ихота қилиб, то Тибет ва Қандаҳор тоғларидин тортиб, лашкар жамъ қилгудек бўлса, иш оғир бўладур. Алҳол оларнинг ораларида низо ва беиттифоқлик пайдо бўлуб турган ҳолда ишни тезлик ва осонлик илан саранжом қиладурмиз, хусусан Сирдарёнинг кема ўтадургон жойлари Россия кўлиға кирган вақтда икки мамлакат, яъни Бухоро ва Хўқанд ва Тошканд ораси банд бўлуб, Моварауннаҳр мамлакати осонлик илан қўлга кирадур».

Мирзо Олим Тошканд шаҳрининг босиб олинишини ҳам Ўрта Осиёдаги икки мамлакат орасидаги қарама-қаршилик ва ички низолардан, деб билади: «Россиялар Тошкандни муҳосара қилиб турган вақтда икки ҳамсоя мусулмония мамлакатларининг подшоҳлари Россияларнинг тўп овози етадургон яқин масофада мамлакатлариға истило қилиб келиб, уруш қилиб тургон ҳолда, анга аҳамият бермай, бир-бирлари илан уруш-талаш қилишиб, вилоятни барбод бердилар, яъни Россиялар ҳимоятсиз қолган Тошканд шаҳрини бир неча кун қамаб, охири 1865 йил 15 июнда субҳ вақтида Камолон дарвозасидин кириб фатҳ қилдилар».

Бизнингча, Мирзо Олим зиёли киши сифатида мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатларини таҳлил қилмоқчи бўлади. Бир томондан «Тарихи Туркистон» асарининг муаллифи Россия босқинига рус маъмурияти позициясини ёқлаб чиқса ҳам, бошқа томондан у асарининг турли жойларида замонасидаги адолатсизлик, маъмурларнинг феъл-атворларини танқид қилади. Дини ва миллатининг рус маъмурияти даврида таназулга дуч келганини қайғу ва алам билан таъкидлайди,

⁵³⁸ Мазкур китобнинг тўрт нусхаси ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида сақланади (№№ 247, 5751, 5752, 9551).

миллатдошлари орасида бирлик ва иттифоқ йўқлигидан афсусланади, маънавий ҳаётнинг инқирози, билимсизлик ва жаҳолатдан қайғуради: «Туркистон хонлари вақтида мусулмониялар ниҳоят даражада аҳволи оламдин хабарсиз бўдилар. Қадимги ҳаққоний уламолардин оз асар қолиб, холис зухду тақво бўлмай, риёкор ва хушомадгўй кўпаймоқда эди. Золим ҳокимларга рост ва тўғри сўзни айтадурғонлар қолмай, золимлар учун беш-ўн тилло бадалига эртадин кечгача хушомад сўзлар айтиб, алар қандай сўз айтса, маъқул дейдурғонлар бўлган ... Умаро ва вузаро ва вукалоларнинг аксари ё Эрон асирларидин ва ёки ёшликда бачча бўлуб, бек ва хон кўтарган бефаросатлардин тайин бўлур эди. Илму маорифда бўлса, Туркистонда ўтган Ибн Сино, Форобий, Улуғбек, Али Қушчи ўрнига ўлтурғон олим, файласуфи замон деганларимиз иззату нафс ва риёкорликга табдил бўлуб, жаҳл балосига мубтало бўлган эдилар».

Мирзо Олим ҳар қандай халқнинг уйғониши ҳам, инқирози ҳам ахлоқдан эканини яхши тушунган ҳолда ёзади: «Худованди карим бирор қавмини тағйирут-табдил қилмоқни хоҳласа, аввало ул қавмнинг ахлоқ ва атворини тағйиру табдил қиладур. Бу сўзлар гарчанд дурушт ва аччиғ сўзлар бўлса ҳам, лекин инсоф назари илан қаралса, тўғри ва рост сўзлардур».

Мирза Олим Махдум ҳожи илм ва маърифат тарафдори сифатида барча элатдошларини турли илм ва касбларни ўрганишга, ривожланган миллатлар каби тараққиётга интилишга даъват қилади ва «илми динсиз охират йўли топилмагандек, маориф ва камолотсиз дунё йўллари ҳам топилмас», деган хулосага келади. Бу билан «Тарихи Туркистон» муаллифининг биз билан ҳамфикр эканига амин бўламыз.

IV.I. 28. Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асари

Ибрат-Исҳоқхон Жунайдуллоҳўжа 1862 йили Наманганнинг Тўра кўрғон қишлоғида туғилган бўлиб, 1932 йили вафот қилган⁵³⁹. Турон заминининг буюк маърифатпарвари, шоир тилшунос ва тарихчи олим «Тарихи Фарғона» асарини 1916 йили ёзган бўлса ҳам асар кўлёзма шаклида қолган. Асарнинг қиммати ва аҳамияти шу зикр этилган нашрнинг сўзбошида айтиб ўтилган.

«... Киши ўз муваттин ерини билмак заруриятидандир. Билмаса, тафсир ва ҳадисларда ва таворихларда мубаййиндурки, кўрмак ва билмак илмдандир, чунончи, бу бизни муваттин бўлуб турган Туркистон музофотида Фарғона деб машҳур ва бу лафз илан мазкурдур ва муни тарихи таворихи қадимларда бўлса ҳам, кимлар ўтган ва кимнинг тарафидан бино бўлғонлиги ҳеч кимга маълуми бўлмай, Фарғона исми илан ихтиро қилганлар. Бинобарин, бу азим ал-иститоат Фарғона аҳлидан бўлуб, бу Фарғона аҳлига ўз иқлим ва мамлакатларни таърихини билдурмак ва ҳам... бир тарих қолдирмоқ мақсадим бўлуб, тарихлар жамъ қилиб, миллатга ёдгор қолдурдим. Аммоки, илмия тўғрисида бу ҳақда гапдони аҳамияти йўқ, тазозулда турур, бўлак фирқаларни илмдан топган даражада ва маданиятларини била туруб, ҳеч ҳаракат қилмайдурлар, илмни асоси маишат эканини тадқиқ ила билганлари йўқ. Бу сабабдан олимлар кўп ишларида аҳамият йўқ, таваккул илан қорашлари йўқ. Маданият учун ҳеч қайси вақтдаги замона илмини қайси бир ривожда бўлса, ани билмак зарурдир, менга ҳукумат монёъ эмас, балки ҳукуматдан бул тўғрида мактаблар очилуб, халқни тарғиб этарлар, булар қочарлар, умрларини ерга сочарлар, билмам, қачон кўзларин очарлар. Ва алҳосилки, буларда илмга аҳамият йўқлик учун бу халқимиз нодон, омилларимиз кўп бўлуб, авлодлари ўйин-кулгуга машғул бўлуб, умрини арзон уйунга сарф этуб, бовужуди бу мамлакатда жойдор, мусофир бўлмасалар ҳам мусофирлардан маишатда ноқисдурлар. Ва аксар аҳолиси қарз балосига мубталодурлар. Шояд мундин буён саодат ва фазилат қадрини билсалар».

Асарнинг таркиби:

- Сўзбоши (Фарғона мулкининг қадимги тарихи, иқлими, иқтисод ва маданият аҳволи);
- Хўқанд шаҳри биноси;
- Асри Норбўтахон;
- Олимшоҳ ибн Норбўтахон асри;
- Асри Умархони жаннатмакон Норбўтахон; Асри Муҳаммадалихон ибн Умархон;
- Жулуси Шералихон;
- Муродхон ибн Олимхон;
- Худоёрхон ибн Шералихон;
- Худоёрхоннинг иккинчи жулуси;
- Шоҳмуродхоннинг жулуси ва азли ва Худоёрхоннинг такрор хонлиги;

⁵³⁹ Ибратнинг таржимаи холига муфассал қар.: Ибрат Исҳоқхон Жунайдуллоҳ ўғли. Фарғона тарихи. – Тошкент: Камалак 1991. – Б.268.

- Воқеоти Султон Сайид ибн Маллахон;
- Худоёрхоннинг тўртинчи хонлиги;
- Пўлодхон ибн Муродхон;
- Ҳикоя (Худоёрхон тақдири);
- Шаҳри Андижон тарихи;
- Тарихи Наманган.

Ибрат асарини ишонарли манбалар асосида ёзиб, «Шоҳномаи Фарғоний», «Низомут-тарих-и Қозий Байзавий», «Равзат ас-сафо», «Тарихи Қутадғу», «Ажойиб ал-булдон», «Мулҳақоти суроҳ», «Табоқоти Тоҳирий», «Қомус (ал-аълум)», «Тарихи Табарий», «Тарихи шоҳ Хўрмиз», «Қутадғу билик» асарларидан иқтибос ва кўчирмалар келтирилган.

22x17. матн 17x11, 12 сатр. Қўқон қоғозида настаълик хати билан қора сиёҳда кўчирилган, муқоваси фабрикада тайёрланган, кўк ранг, таякиси ва лабакиси сунъий чармдан. Асарнинг боши ва охири йўқ.

* * *

Қўқон хонлигининг маданий-илмий ва адабий муҳитида юзага келиб шаклланган ва ривожланган тарихнавислик мактаби XIX-XX асрнинг бошларида шу ҳудудларда яшаган аҳолининг маънавий ҳаётида катта ўрин эгаллайди. Қўқон тарихчилари ўз асарларида халқимизнинг йиллар давомида кечган иқтисодий-хўжалик, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётини акс эттирган. Тарихий асарлардаги маълумотлар турли ижтимоий қатламнинг ҳар хил соҳалардаги фаолиятини кўрсатиш ва уларни илмий жиҳатдан ўрганишга ёрдам беради, шунингдек олимлар олдига янги баҳс-талаш масалаларни ҳам кўяди. Қўқон тарихчилиги мактабининг таҳқиқи ва тадқиқи, уларнинг қиёсий ўрганилиши қуйидаги хулосаларга олиб келади:

Қўқон хонлиги XIX асрнинг бошларида мўайян, объектив омиллар ва сабабларга биноан катта иқтисодий ва сиёсий ҳамда маданий тараққиётга эришди.

Шу ривожланиш асосида маънавий ва маданий, жумладан адабий ҳаёт ҳам жонланиб, турли жанрларда қимматли адабий-бадиий, тарихий асарлар яратилди. Қўқон адабий-илмий муҳитидаги илк тарихий асарлар ҳам айнан шу даврда вужудга келиб, тарих фани ва тарихнависликка бўлган анъанавий муносабат ҳам янги шароитда қайта уйғониб, ривож топди. Акмал Шер «Амирнома» асари, Фазлий Фарғоний (Абдулкарими Намангоний) ўзининг «Умарнома» асари ва Мушриф Исфарағий (Мирзо Қаландар қози аскар) «Шоҳномаи Нусратпаём», Дилшод Барнонинг «Тарихи муҳожирон» асари билан Қўқон адабий муҳитида тарихнависликка асос солганлар. Бу муаллифлардан Фазлий назмда, Акмал Шер ва Мушриф эса насрда ўз асарларини яратган. Фазлий ва Мушрифдан бошлаб Қўқон тарихнавислик мактабида биз икки тамойилни кўрамиз. Биринчи йўналиш бу тарихий воқеаларни ҳаққоний-объектив нуқтаи назар ва мавқеадан ёритиш. Иккинчи тамойилнинг намоёндалари ҳар хил объектив ва субъектив сабабларга кўра тарих ва тарихий воқеаларни «буюртмачи» шавқ-завқи ва талаби билан ўзгартирган ҳолда баён қилганлар. Улар «буюртмачи» талабига биноан, ҳукмдор сулола вакилларининг ҳокимиятини легитимлаш учун сохта шажаралар ясаб, воқеалар талқини ва баёнида ҳам маълум доиралардан чиқа олмаганлар.

– Муҳаммадалихон даврида (1822-1842 йиллар) Қўқон ҳудудида кўзга кўринган бирор тарихий асарнинг яратилганлиги бизга маълум эмас, лекин ёзилган бўлса ҳам ҳалигача топилмаган. Қўқон хони Муҳаммадалихоннинг фожиали ўлиmidан сўнг, Қўқон тарихчилари унинг даври ва шахсиятини, унинг замонида юз берган тарихий воқеаларга жиддий аҳамият бериб ўтганлар. 1842 йили Қўқон воқеалари (хон, унинг укаси Султон Маҳмудхон, оналари Моҳлар ойим-шоира Нодира ҳамда Муҳаммадалихоннинг ўғли Муҳаммадаминхоннинг амир Насруллоҳ тарафидан қатл этилиши) Мутриб ва Андалиб дostonлари орқали бидий тил билан баён этилган. Муҳаммадҳакимхон эса ўзининг «Мунтахабут-таворих» асарида хонлик тарихнавислик мактабини, тарихий-мемуар жанридаги асари билан янги поғонага кўтарган муаллифдир.

– Қўқон тарихнавислик мактабида Авазмуҳаммад Аттор Хўқандий ўзининг фаолияти, ўрни ва мавқеаси билан яққол ажралиб туради. Шоир, хаттот ва тарихчи Авазмуҳаммад Аттор «Тарихи жаҳонамой» ҳамда «Тухфатут-таворихи хоний» (Тарихга шоҳона тухфа) асарларининг муаллифидир. Авазмуҳаммад Аттор халқ ичидан чиққан тарихчи. У қарийб 20 йил ҳаётини юқорида тилга олинган асарларни ёзишга бағишлаган. У XIX аср ўртасида содир бўлган кўп воқеаларнинг шоҳиди бўлган, уларни ҳаққоний ва холисона баён этган. Авазмуҳаммаднинг асарлари Ўрта Осиё ҳамда Қўқон хонлиги тарихини ёритишга хизмат қиладиган муҳим манбалардан ҳисобланади.

– У XIX аср ўртасида Қўқон хонлигида муҳим воқеалар рўй беради. Бундай тарихий оламшумул воқеа – Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниш жараёнидир. Туркистон ҳокимлари ва хонлари ўртасидаги уруш ва жанжаллар, қабилаларнинг ўзаро муносабати ҳам муҳим мавзулардан ҳисобланади. Ана шу масалалар Қўқон тарихчилари асарларида ўз аксини топган. Булардан Тожирнинг «Ғаройиби сипоҳ» асари, Бекназарнинг «Амирлашкар жангномаси» асари, Муҳаммадниёзнинг «Тарихий Шохруҳий» асари, Абдулғаффор Муншийнинг «Зафарномаи Худоёрхон», Мулло Шавқийнинг «Жангномаи Худоёрхоний», Муҳаммадюнус шиғовул «Тоиб»нинг асарларини қайд этиш жоиздир. Бу асарлардан баъзилари биографик-тарихий, тарихий биографик (мемуар) жанрига мансубдир. Булардан Абу Убайдулло Тошкандийнинг «Хулосат ал-аҳвол» («Ҳаёт хулосалари») асари ўзининг тарихий фактларнинг бойлиги билан ажралиб туради. Асарнинг таржимаи ҳол маълумотлари тарихий маълумотлар ва тарихий воқеалар динамикасини яна ҳам жонлантиради.

– XIX асрнинг иккинчи ярмида, аниқроғи, 1876 йил бошларида Қўқон хонлигига Россия барҳам бериб, унинг ерлари асосида янги маъмурий ҳудуд тузади. Собиқ хонлик аҳолиси рус маъмурияти итоатига кирдилар. Ана шу жараён ҳамда маҳаллий халқларнинг Россия ҳукуматида кўрсатган қаршилик ва муносабатларда Муҳаммадазиз Марғинонийнинг «Тарихи Азизий», Мирзо Олим ибн Мирзо Раҳим Тошкандийнинг «Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин» (Султонлар шажаралари ва хонлар таърихлари) асари, Муҳаммадюнус шиғовул «Тоиб»нинг «Тухфайи Тоиб» асарларида ўз аксини топган. Мулло Холбек ибн Мулло Мусо Андижоний эса «Ғарибнома» асарида Пўлодхон, Маъмур Мундуз, Ятимхон воқеаларига тегишли муҳим маълумотларни беради. Юқорида тилга олинган муаллифлардан Муҳаммадюнус Тоибнинг Дукчи Эшон кўзғолони ва унинг шахсиятига муносабати ниҳоятда салбийдир. Бу факт эса шуни исботлайдики, муайян воқеаларга замондош муаллифларнинг муносабатлари ҳам ҳар хил бўлган. Шундай қарама-қаршилик, фарқли тамойилларнинг мавжудлиги, асарларнинг «расмий» ва «норасмий» асарларга бўлиниши, муаллифларнинг турли тоифа ва гуруҳларга тегишли эканлиги, Қўқон тарихчиларини бошқа мактаблардан ажратиб туради. Ана шу рангбаранглик, турли жанр ва тилларда асарларнинг яратилиши Қўқон тарихнавислик мактабининг хусусиятидир.

– Қўқон тарихнавислари томонидан яратилган асарларда давлат тузуми, уни бошқарув системаси ва қоида-тартиблари, унвон ва мансаб масаласига тегишли маълумотлар ҳам кенг ўрин олган. Тарихий асарларда келтирилган бой фактик маълумот ер ва сув муносабатларини, хунармандчилик, савдо ва пулу мол муносабатлари, ташқи ва ички сиёсатга алоқадор муаммоларни ҳам очиб беради. Тарихий асарларда ижтимоий муносабатлар, оддий аҳоли ва зодагонлар ўртасидаги муносабатлар, этик ва эстетик, диний ва миллий кадриятларга муносабат ва баҳолашни кўришимиз мумкин бўлади.

– Булардан ташқари Қўқон тарихчилари асарлари қуйидаги мавзу ва муаммоларни ёритишда катта аҳамиятга эга. Булар:

- 1) Қўқонда ҳукмронлик қилган минг сулоласининг насаби, улар ўртасидаги оилавий муносабатлар;
- 2) ўтроқ ва кучманчи аҳолининг давлат ва ижтимоий тузумларига доир маълумот;
- 3) Ўрта Осиёга, шу жумладан Фарғона водийси, Тошкент ва унинг атрофига келиб ўрнашган кўчманчи қабила ва элатларнинг тарихи, уларнинг янги конфедерациялар тузишдаги ўрни;
- 4) Хонликдаги этник ва этносиёсий жараёнларни ёритиш, ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг этномаданий жараёнлари;
- 5) Қўқон хонларининг Дашти Қипчоқ ва Бухоро, Шарқий Туркистон билан алоқалари, юриш ва уришлари ҳақида аниқ маълумотлар;
- 6) Кўчманчилар ҳокимиятининг сакрализация масалаларига доир материаллар;
- 7) Аввал кўчманчилар кейинчалик ўтроқ аҳоли анъанасига асосланган марказий давлат-маъмурий аппарати ва бошқарувининг шаклланиши, унинг синкретик моҳияти;
- 8) Кўчманчилар ва тоғлиқ аҳоли, турк ва мўғул қабилаларининг туркий аҳоли ўртасидаги ассимиляция ва ўтроқлашуви масаласига доир маълумотлар;
- 9) Минг сулоласини ҳокимиятни босиб олишган ҳудудларида ҳукмронлик легитимацияси масалаларига доир кузатувлар;
- 10) Хонликда жорий қилинган ва амалда бўлган унвон ва мансаблар, уларнинг даражалари ҳақидаги маълумотлар.
- 11) Минглар давридаги ҳарбий тарихи, аскария ва ҳарбий иши тўғрисидаги маълумотлар;
- 12) Қўқон тарихнавислик мактаби намояндalари асарларинига баҳо беришда, уларнинг историографик моҳияти ва структурал ва инфор­мацион (маълумот бериш) чегараларини белгилаш.

– Қўқон тарихий манбалари персонификация (ташхис) масалаларини ёритишда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Маълумки, тарихий шахслар ўтмиш маданияти тарихига катта ҳисса қўшдилар. Персонификация усули орқали олимлар, шоирлар, мударрису қози, муфтилару хунармандлар, тарихий воқеаларнинг фаол қатнашчилари номлари аниқланади, бу номлар тарих саҳифаларига қайтарилади, ўтмишимиз номсиз ва сиймосиз қолмай аجدодларимиз исмлари билан тўлдирилади.

– Қўқон тарихчиларининг асарлари тавсиф бўлгач, уларнинг тарихий ва адабий манба сифатида ўрни аниқлангандан кейин изланишнинг янги босқичлари асосида алоҳида мавзулар ёритилади, баъзи аниқликлар киритилади, асарлар таржимаси ва нашр ишлари бошланиб, мутахассисларга етказилади. Қўқон тарихи асарлари фақат тарихчи манбашуносларгина эмас, балки адабиётчилар ва бошқа соҳа олимлари диққатини ҳам ўзига жалб этиши аниқ, чунки маҳаллий манбалар фақат холисона, тарих ва ўтмиш қадр-қимматини билган олимлар томонидан кенг ёритилиши зарур.



ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРИХИ МАНБАЛАРДА



V. ХУДОЁРХОНЗОДА. АНЖУМУТ-ТАВОРИХ⁵⁴⁰

Бисмиллоҳи-р-рахмони-р-рахим!

Бандалик одоби лавозимидин ва сарафкандалик услубининг маросимидин маълумки, абадият уфори таратадиган ҳар бир нома бошини Яратгувчи шаънига айтадиган сипос ва мақтовлар безаши керак, қисқа баён этувчи қалам эса кундалик ризқ Берувчига ҳамд ва сано айтиб, жимжитлик бандини очмоғи лозим. Бироқ, Унинг буюклиги ва жалоли барча мақтовлардан ҳам устун ва олийдир. Зеро Унинг сифатларининг денгизидан бир томчиси ва ҳамд қуёшидан бир заррасини ҳам шарҳ бериб бўлмас. Иззати ва буюклиги ундан-да юқори ва ортиқдирки, бирор-бир мақтовчи ва вассофининг ҳаёлига ҳам сиғмас. Унинг карам ва неъматларининг кони шундай тўшалганки, шукр айтгувчиларнинг ўлчовига тенг келмас. Араб ва ажамнинг энг буюк фасоҳатли кишилари миллат ва умматнинг энг улуғлари ажз ва бандалик билан Унинг буюклигини эътироф этиб, қуллик ва ожизлик бурчагида «Сенинг таърифинг, иззату шаънингни ҳисоби йўқ, зеро Сенинг зотингда ҳамд ва сано мавжуд» куйини чалмоқдаларки, «Агар барча денгиз Парвардигоримнинг сўзлари (яъни илму ҳикматларни битиш) учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Парвардигоримнинг сўзлари битишидан илгари, у денгизлар тугаб битар»⁵⁴¹ ояти унинг исботидир.

Банда ҳамон беҳ ки зи тақсири хеш,
Узр ба даргоҳи Худо оварад.
Варна сазовори худовандияш,
Қас натавонад ки ба жо оварад.
[Ўз заифлигидан банда яхшиси,
Худога узр келтириши яхши.
Бўлмаса қул ҳеч қачон,
Хўжайинига лойиқ хизмат қила олмайди].

Анбиё ва расулларга, йўл кўрсатгувчиларга, омонлик ва камолот тариқатининг ҳодийлари, талаб ва истаклар чўлида қўлланувчиларга беадад салом ва пайғомлар бўлсинким, залолат водийсида қолиб кетганлар, жаҳолат давонидан ўтолмаганларни зулмат, жаҳолат ва хатодан қутқариб зиё ва ҳидоят манзилига етказганлар. Улуғлик саройида қабул мақомига эришганларга, Ҳазрати жалла ва аъло томонидан танлаганларга салот ва наътлар бўлсин. Очиқ ва ойдин бўлсинки, У ўзининг мўъжаз каломида мулк ва олам низомини қуйидаги ояти карима била олий мақомда ардоқлаган: «У нақадар яхши бандадир. Ҳақиқатан у (Аллоҳ рози бўладиган йўлга) бутунлай қайтгувчидир»⁵⁴² ва қадру қийматини улуғлик ва шукуҳ била юқорига кўтарган. Маснавий:

Васфи жоҳи он гуруҳи бо сафо,
Меситояд дар каломи худ Худо.
Наъти эшон аз мани қосир лисон,
Лоиқи эшон кужо гардад баён.
Бод бар эшон ила явм ал-қиём,
Раҳмати Ҳаққ ас-салоту ва-с-салом,
[Ул сафоли гуруҳ мақомин васфини,
Худо ўз каломида яхши куйлаган.
Улар ҳақида мақтовни мендек тили қисикдан,
Эшитиш жуда ҳам қийин.
Қиёматгача уларга,
Ҳаққнинг раҳмати, салоту саломлар бўлсин]

Тўрт халифаи ҳақ ва қоим мақоми мутлақким, дин ва миллат маржонининг тўртта гавҳари, шариати шарифнинг тўртта устунидирлар, уларнинг авлодлари, асҳоблари ва аҳли байтларига ҳам салом ва пайғомлар бўлсин.

Аммо баъд, аҳли дониш ва заковатнинг хотири равшанларига маълум бўлсинким, Подшоҳи мутлоқ ва сиғинишга лойиқ Халлоқким, шаъни жалил ва неъмат омдир иллатсиз қудратидан олий ва сифлий, жисмоний ва руҳоний, кубро ва суғро, хўл ва қуруқ борлиқни яратди. Одамни эса

⁵⁴⁰ Худоёрхонзода. Анжумут-таворих / Тожик тилидан таржимон Ш.Воҳидов. Кириш, изоҳлар ва факсимиле нашри муаллифлари ш,Воҳидов, Ҳ.Бобобеков. – Тошкент, 2012.

⁵⁴¹ Қуръони карим, 18:109.

⁵⁴² Қуръони карим, 38: 44.

«Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик»⁵⁴³ хилъати билан тасхир этиб, қуруқлик ва ер юзида уни мукаррам этди «Биз сизларни (ердан) яратдик, яна унга қайтарурмиз ва (қиёмат кунда) сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз»⁵⁴⁴. Унга туғдириш ва наслини давом эттириш қобилиятини бериб, «Сўнгра сизларни уларнинг ортидан ерга халифа (ўринбосар) қилиб қўйдик»⁵⁴⁵ ояти ила мушарраф ва бахтли этди, фахр тожини бошига қўйиб «Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз»⁵⁴⁶, дебон салтанат ва жаҳондорлик тахтига кўтарди, давлат берди, диндорликка эга қилди, уммат ихтиёри лажомини уларнинг қўлига берди, оламда ҳукм суришни уларнинг ишбилармонлик ва кифоятлари кафтига берди. Шул тоифадан кимга Аллоҳ саодати ва Худованд марҳамати ёр бўлган бўлса, ақлу хирадга эга ва жаҳонни бошқаришдан хабардор бўлса, адолати овозаси оламга таралса унинг яхши оти узоқ йиллар кеча ва кундуз саҳифасида боқий қолажак, икки оламда давлат унга насибу рўзи бўлажак.

Аллоҳ инояти ёр бўлмаган ва бахту давлати мустаҳкам бўлмаган шахснинг зулми ситами овозаси одамлар ва олам ичида тарқалиб, асрлар ичида номи ёмонликда, бу дунё ва охиратда ҳам ажру савобдан қолар.

Хулласи калом, бу муқаддима баёнидан мақсад шуки, ҳар бир асру замонда бирор-бир амир ёки султон қайси бир мамлакат ёки иқлимда амирлик ёки салтанатни ўз вужуди билан безатса, номини абадийлаштириш учун олий қасрлар, турли ёдгорликлар бино этиб, келгуси замонга ўз номидан нишона қолдирмоқчи бўлишади. Аммо ҳозирги замонда ўша маҳобатли ва улкан иморатлардан баъзисидан бирор асар қолмаган, вақту замон ўтиши билан хароб бўлган. Баъзиларининг жойида баланд тепаликлар ва хароба жойлар қолган. Уларни Тали Афросиёб, Тали Искандар, деб эшлашади. Ёки Амир Темур⁵⁴⁷ ким, ёвуқ даврда яшаган эди. Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа жойларида олий масжидлар ва мадрасалар бино этган эди, ҳозир уларнинг аксари вайрон бўлган. Бир неча асрдан кейин қолганларидан нима қолади ҳеч ким билмайди. Бинобарин, доно тарихчилар тарих китобларида шундай ота-боболар номларини ёзиб қолдирганлар, уларнинг номлари ўша иморатлари орқали тирилади, акс ҳолда улар қасрларининг тоқу равоқидан бир нишона ҳам қолмаган.

Он қаср ки бо чарх ҳамезад паҳлў,
Бар дарғаҳи ў шаҳон ниҳоданди рў.
Дидам ки бар кунграаш фохтае,
Биншаста ҳамегуфт «ку-ку, ку-ку».
[Осмон билан елкама-елка турган ул қасрким,
Унга барча шоҳлар киришни истардилар.
Кўрдим бир мусича унинг кунграсига кўниб,
Сайрарди «ку-ку, ку-ку», (яъни «қани у, қани у»)].

Ҳамчунин, Туркистон ва Мовароуннаҳрнинг хонлари ва ҳукмдорлари ҳам кўк саройлар ва яхши иморатлар бино этгандилар. Бу кунда эса улар вайронликка юз тутган ва шундай давом этса бир неча асрдан сўнг улар буткул нобуд бўлиши аниқ. Бу мамлакатнинг тарихчилари ва мусаннифлари ишларидан бирортаси таъзимга мувофиқ келмагани боис шу биноларнинг қурувчилари номлари, миллатнинг йўлбошчиларининг исмлари хотирдан фаромуш бўлиб, уларнинг зикри кундалиқ саҳифаларидан ўчириб кетиши ҳам маълум бўлди.

Бу ўлканинг аҳолиси ва уларнинг авлоди ўтган ота боболари, вилоятнинг ўтмишидан буткул хабарсиз қолиб, келажакда надомат остида қолиб кетишлари мумкин.

Ҳеч нарсани билмайдиган бу фақир шундай фикру ҳаёлда эдимки, мусофиратда бўлганлар, фазлу ҳунар эгалари ва ҳунармандлардан бирор кишига мурожаат қилсам токим, улардан бирор нафари Фарғона ва Мовароуннаҳр ҳукмдорларининг аҳволи ва тарихларини қисқа тарзда баён этсаю шу билан уларнинг ва муаллифнинг номи абадийлашса. Бу банд дўстлик ва муҳаббат риштасини боғлаган баъзилар билан машварат ва маслаҳат қилганимда, улар «шу айёмда илми тарихдан хабардор бўлган фозил ва олим кишилар тирикчилик ва рўзғор ташвишида юрибдилар, кеча-ю кундуз ўз нафақаларини топиш учун овора, уларни маъзур тутгин. Бир дам ёки бир нафас ҳам улар бу ташвишлардан холи эмас. Кўп вақт ва муддат бу иш билан машғул бўлиб, қолган фикру ҳаёлни бошдан чиқариш ва бу жуда муҳим иш билан банд бўлиш керак бўлади. Қандай қилиб улар бундай

⁵⁴³ Қуръони карим, 17:70.

⁵⁴⁴ Қуръони карим, 20:55.

⁵⁴⁵ Қуръони карим, 10:14.

⁵⁴⁶ Қуръони карим, 4:59.

⁵⁴⁷ Амир Темур – темурийлар давлатининг асосчиси (1336–1405 йй. яшаган).

улуғ ишга қўл уришлари мумкин? Бу улуғ иш юки ва масъулиятини ўз бўйнингга ўзинг олмасанг, бу иш кечикиб, хайрли умид ва ўроз амалга ошмайди, вақт эса қиличдек кесгир, елдек тез ўтиб кетадиган, фурсат бермаслиги мумкин. Кеча ва кундуз бўлаётган ҳодисалар ҳам тўсиқлар пайдо қилиши ва бу муҳим иш ва мақсаду матлаб ғайб пардаси орқасидан чеҳрасини кўрсатолмаслиги мумкиндир!». Улар мендан шу соҳада жидду жаҳд қилишимни илтимос қилдилар. Уларнинг сўзларини шу маврид ақлу ҳушим қулоғи билан эшитдим.

Агарчи бу каминани ёзиш ва тасниф қилишда бир илмий истеъдоди йўқ эди, ва ўзини бу улуғ фан намояндалари қадамларининг хоки пойидек биларди, азиз дўстларининг кўп илтимос ва илтижолари содир бўлганидан бу муҳим ишнинг бажарилиши ва шу мушкулотнинг ечими бу билмагур мухлиснинг зиммасига тушганини тушуниб, ожизлик тил ва тилмочлик била маҳфилларида арз этдим: Кимки, таълиф ва тасниф йўлига қадам босар экан, маломат ва таъна остида қолади. Бир улуғ киши айтганидек: «Ман саннафа қад истаҳдафа» (ким бирор нарса ёзса у нишонга айланади]. Ҳар замонда ҳам жаҳон ҳасадчилар ва таъблари эгри бўлганлар, бузғунчи ва золимлардан холи бўлмаган. Айниқса шу кунда олам бундай нусхалар ва нокаслардан тўлиб кетмоқда. Ҳунарсиз жоҳиллар фозиллар ва ҳунармандларнинг душмани бўлиб, ҳар дойим қирқишмоқ ва айб қидириш биқтирмаларидан туриб, донишманд ва оқил олимлар кўкракларига тилларидан ўқ отиб, уларни мажруҳ ва аламзада қиладилар. Мисраъ: Ҳунар ба чашми адоват бузургтар айб аст (Ҳунар адоват кўзи олдида энг катта гуноҳдир]. Розилик тиловчи бир зайиф бўлсам, бу хатарли чўлга қандай қилиб қадам босай!?

Ба раҳе ки барқтозон ҳама нақши пой ланганд,
Кужо расида бошам мани бе асо, нишаста.
[Чопар отларга миниб, оқсаган бу йўлга кирганларга қандай етай,
Менким ўтирибман, ҳатто ҳасам ҳам йўқ].

Мен уларга қанча баҳоналар келтириб арзларига етказсам ҳам қабул бўлмади, аксинча бу ишга мени далолат қилиб муболиға ва тарғиб қилавердилар. Азиз дўстларим ва муҳтарам биродарларимга таслим бўлишдан бошқа чорам қолмади ва одамигарчилик ва муруват йўсунидан уларнинг кўкракларига инкор этиш қўлини қўймадим, илтимосларини қабул қилдим. Фазилат арбобларининг хотирлари учун душманларнинг таъна ва маломатларини фаромушлик осмонига совурдим ва ўзимни душманларим маломат ўқи учун нишон этишга қарор этдим. Фард:

Касе ба гардани матлуб даст ҳалқа кунад,
Ки пеши тири балоҳо сипар тавонад буд.
[Ўз талаби бўйнига қўлини ҳалқадек боғлаган кишигина,
Балолар ўқлари олдида қалқон бўла олади].

Бир зарофатли киши масал келтурдики, «кимки боғдан кўрқар экан қўли экинга тегмагай». Шунинг учун бу тарқоқ варақларни тартиб ва таркиб беришга бошланар эканман саъй қилиб унинг номини «Анжумут-таворих» (Тарих юлдузлари), деб атадим ва бу ёдномага тааллуқли китоблар ва рисоаларни йиғдим ва Аллоҳ таолонинг кенг карамидан яхшилик билан якунланишини, лутф ва марҳаматидан интизом шарафига етишига умид қиламан.

Мазкур тарих икки дафтарга тақсим бўлди. Биринчи дафтарида Фарғона ва Мовароуннаҳр хонлари аждоди шарифларининг насаблари Худоёрхони фирдавс макон давригача зикр қилинади. Иккинчи дафтар эса мазкур Худоёрхоннинг тахтга чиқишидан то бугунги кунгача, яъни сана 1318/1900-01 гача Туркистон миллати ёдгорлиги учун баён этилади. Асарнинг «Анжумут-таворих» деб номланишининг абжад ҳисоби ҳам асар ёзилиши бошланишига аниқ ва равшан таърихдир.

Китобхонларнинг ахлоқи писандидалари ва кенг марҳаматларидан умид ва ўроз шулким, бирор-бир саҳв ёки хато бу китобда кетган бўлса, муаллифнинг билимсизлиги, мазкур даъват этувчини камтарлигига инониб, мени кечириб, айб ва қусурларимни ёпсинлар, зеро «дарҳақиқам, Аллоҳ яхшилик қилгувчиларнинг амалларини зоеъ қилмас»⁵⁴⁸.

Маҳфий қолмасинким, тарих илмини ўқимоқ ва билмоқда кўп фойда мавжуд. Тарихчиларни гуёки иккита умрлари бор. Ўтганларнинг ахбор ва аҳволларидан хабардор ва воқиф бўлиб, қайси бир бахтли бир шахснинг умри ва номини замона саҳифасида сабт этиб, яхшилик дарахти самарасидан ҳосил олади; қайси бир бедавлатни нолайиқ феълидан дунёнинг экинзорига ёмонлик уруғи сепиб, нафрат бошоғини терганини узоқни кўрадиган фикри ва ибрат оладиган кўзи билан кўриб, яхшиларнинг зикри ва сўзларини ўзининг кундалик ҳаётида сармашқ қилади. Ёмонларнинг қилмишларидан ҳазар этишни вожиб деб билади. Ўз умрида кўрган, ақли билан мушоҳада этган,

⁵⁴⁸ Қуръони карим, 9:120.

олган тажриба ва билимлари билан уларни бир низомга келтириб, ўз ҳаётини бир бахтиёр йўлга солади.

Шунинг учун ҳам маданиятли Уврупо миллатлари мадраса ва мактабларида тарих илмини инсон учун ўрганилиши зарур бўлган фанлардан деб билиб, таълим ва ўрганишига аҳамият берадилар. Агарда тарих илми фойдаларини баён қилишга киришсак алоҳида бир китоб бўлади ва мен ўз мақсадимдан айрилиб қоламан ва шу билан кифоя қилишим яхши. Умматнинг Шафиъи саллаллоҳи алайҳи ва салам буюрган «Утлуб ул-илма ва лав кона би-с-сини» (Илм талабида бўлинглар, ҳаттоки у Чинда бўлса ҳам), яъни илм талаб этмоқ бизга лозим экан, гарчанд у Чинда бўлса ҳам. Бу ерда мақсад фақат диний илмлар эмаслиги оқилларга маълум ва тафсилотига эҳтиёж ҳам йўқдир.

ФАРҒОНА ВА МОВАРОУННАХР ПОДШОҲЛАРИ НАСАБЛАРИНИНГ БАЁНИ ВА УЛАРНИНГ ШАРАФЛИ АЖДОДЛАРИ ЗИКРИДА

Бул мамлакат хонлари ва подшоҳлари насабларини тарих илми арбоблари қуйидагича ёзганлар: Абулмузаффар Худоёрхон ибн Шералихон ибни Ҳожибек ибн Абдурахмонхон ибн Абдулкаримхон ибн Шоҳруххони Соний ибн Ашур Муҳаммадхон ибн Рустамхон хожи ал-ҳарамайн ибн Шоҳруххони Биринчи ибн Шоҳмастхонким, уни шу билод турклари Чамашбек дерлар. Шоҳмаст ибн Убайдуллоҳхонким, уни турклар Султон Асил деб лақаб берганлар. Мазкур Султон Асил ибн Абулқосим, лақаби Султон Кучак ва у ибн Муҳаммадаминхон Биринчи ибн Султон Худоёрхон Биринчиким, баъзи тарихларда Тангриёрхон деган. Мазкур Султон Худоёр ибн Султон Элик ибн ... лақаби Олтун Бешиқ ибн Заҳириддин Муҳаммад Бобурхон.

Бу ёзувларнинг муаллифи тарих китоблардан ташқари бир қанча вақфномалар ва ёрлиғлар, фармон ва барот, тархонлик ҳужжатлари, тавқиот ва эски тавжихотларни баъзи кишилар қўлида, бу ўлка хонлари ва подшоҳлари кутубхоналарида бўлганларини кўриб, ўқиб чиқиб ўргандим. Таҳқиқ ва текширувдан сўнг бу китобга уларни киритдим. Топилган фулус⁵⁴⁹ ва дирҳам⁵⁵⁰ лардан Фарғона ва Мовароуннахр султонлари насабларини тузишда далил тариқасида фойдаландим. Бу қоралама ёдноманинг муаллифи уларни қидириб топишда кўп саъй ва ҳаракатлар қилдим ва уларни қўлга киритдим ва бу китобнинг асоси ва бунёдини шул қойида ва қонунга мувофиқ тартиб бердим, иншооллоҳ ўз маҳаллида улар ёзилажак.

Умар Шайхдан учта ўғил: Муҳаммад Заҳираддин Бобурхон, Жаҳонгир Мирзо ва Носир Мирзо ҳамда бешта қиз⁵⁵¹ қолган.

Ҳижрий 899 йили отаси Мирзо Умар Шайхнинг фожиавий ўлиmidан сўнг Заҳираддин Муҳаммад Бобур ўн икки ёшлигида Фарғона вилоятининг дор ул-аморати бўлмиш Андижон⁵⁵² да қабила сардорлари ва тоифалар улуғлари, буюк уламо ва умаро ижмоси билан хонлик ва меросий подшолик тахтига ўтириб, қарор топди. Адл ва инсоф билан машғул бўлиб, укаси Жаҳонгир Мирзони Аҳси вилояти ва унинг тобе ерларига волий этиб тайинлади.

Умар Шайхнинг фоний дунёдан кўчиб кетиши ва Заҳираддин Муҳаммад Бобурнинг фармон бериш тахтига кўтарилиш хабари ҳар томонга тарқалиб кетиб, Тошкандан Маҳмудхон, Самарқанддан Аҳмадхон Фарғонани босиб олиш учун тама қилиб, ҳозир Сир дарё деб аталган Сайхун дарёсининг икки тарафидан лашкар тортиб келдилар. Бу ваҳшатасарли хабар Муҳаммад Бобурхон ва унинг давлат арконлари қулоғига етиб боргач, улар бу ҳодисани даф қилиш учун фикр ва мулоҳазаларга берилганда бир гуруҳ шу вилоятнинг энг метин ва мустаҳкам бўлган Ўзганд⁵⁵³ қалъасига кириб мудофаа билан машғул бўлишни, бошқа фирқа эса Андижон қалъасини мустаҳкамлаш таклифини бердилар. Ўша даврнинг улуғ вазири ва оқилларидан бўлмиш Хўжа (Мавлонойи) Қози⁵⁵⁴ иккинчи фикрни маъқул важ ва мақбул далил деб билиб, Андижон шаҳри қалъасини мустаҳкамлашни Бобурхон наздида қўллаб-қуватлади. Ҳисор ва қалъа ҳимояси учун керак

⁵⁴⁹ Фулус – қора майда пул.

⁵⁵⁰ Дирҳам – дирам; 1) оғирлик ўлчов бирлиги. Ўртача вазни 3,235 г га тенг бўлган кумуш танга;

2) Бухоро хонлиги, Эрон, Ироқ, Афғонистон ва Туркияда пул бирлиги бўлган.

⁵⁵¹ Улардан энг каттаси Хонзода бегим (Бобур билан бир онадан бўлган. Шайбонийхон унга уйланган эди ва бир ўғил Хуррам исмли оламга келган) кейин Меҳрбону бегим, Шаҳрбону бегим, Ёдгор Султон бегим (онаси Оға Султон), Руқайя Султон бегим (онаси Моҳум Султон бегим ёки Қара кўз бегим. Бу қиз Бобурнинг бувиси Эсан Давлат бегим тарбиясида бўлган экан. Ҳамза Султоннинг ўғли Абдулатиф Султон уни никоҳига олган. Кейин Жонибек султонга теккан). Қаранг: Бобур Заҳираддин Муҳаммад. “Бобурнома”. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 8^б–9^а вар.

⁵⁵² Андижон – хонлик даврида ҳам вилоят маркази.

⁵⁵³ Ўзганд – Ўзгенд – Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги Ўзген тумани маркази. Қарадарёнинг ўнг соҳилида жойлашган.

⁵⁵⁴ Ибн Султон Аҳмад Қози, Шайх Бурҳонуддин Қилич авлодларидан. “Бобурнома”. – 16^а вар.

бўладиган асбобу олат, кўр-кут ва захираларни жамлашда саъй-ҳаракат қилиш, уни матонат ва жасорат билан ҳимоялашда бир дақиқа ҳам маътал ва кечикмаслик ҳақида фармон содир бўлди. Сипоҳ ва раият бу ишларда якдил ва ҳамжиҳат бўлиб, одамзод кучи ва қудрати етгунча имкон қадар ҳаракат қилдилар.

Сир дарёсининг жанубидан Аҳмадхон Самарқандий қалъа ва ҳисорларни босиб олиб, Анжижон жанубидаги қарийб тўрт фарсах масофада жойлашган Кубо мавзеига келиб кўнди. Муҳаммад Бобурхон тарафидан вазир Хўжа Қози Аҳмадхон Самарқандий ҳузурига элчи сифатида тайин бўлди. Элчиликнинг мазмуни шу эдики, бу вилоятни улар(Аҳмадхон)нинг кўлида деб билсинлар ва саройларининг бир мулозимига бу вилоят ишларини топширсинлар. Камина бу фарзанд(лари)ни эса шу мулозим ўрнида кўриб, мазкур вилоят тутумини камина фарзанд(лари)га берсинлар, бу карам (ва хирад) дан узоқ бўлмагай. Шунда мулк бошқаруви яхшилик ва осонлик билан яқун топилар. Элчилик мақсади шу йўсинда изҳор бўлганида Султон Аҳмадхон ва унинг давлат арконларию амирлари сулҳга рози бўлмадилар ва Андижон қалъасига яқинлашиб, кўним топдилар ва қалъани олиш ишларига киришдилар. Бир ой икки тарафдан муҳораба ва муқотала (уруш) давом этди. Бахтли тасодиф ва Бобурхонга бахт ёр бўлганидан Аҳмадхон Самарқандийнинг сипоҳи ва лашкарида ғалла қаҳатчилиги ва оту улови, чорваси ичида ўлим тарқалди. Боз устига Аҳмадхон табиатида бир оғир хасталик пайдо бўлди, ночор ярашишни талаб қилиб, элчи жўнатди. Ўртада бир ярашишга ўхшаш битим бўлди. Аҳмадхон Самарқанд тарафига кетиш нағорасини чалди, ўз тасарруфига киритилган қалъаларни Муҳаммад Бобурхон гумашталарига қайтариб бериб, мақсадига эриша олмай қайтиб кетди. Аҳмадхон қайтиш вақти йўлда ўз ажали билан оламдан ўтди.

Шу воқеалар ичида Сир дарёсининг шимолидан Фарғонага азм қилган Маҳмудхон Тошкандий баъзи қалъа ва мавзеларни кўлга олиб, Аҳси қабалига киришиб, қалъада яширганларнинг кўршови билан банд эди. Ақаси Аҳмадхонни Андижондан қайтиб кетиши ва уни йўлда ўлганини эшитиб, ваҳимага тушди ва шабгир уриб, лашкаргоҳда барча асбобу ускуна ва хаймау хиргоҳини ташлаб қочиш йўлини танлади.

Айни шу алғов-далғов вақтларда Кошғарнинг волийси амирзода Абубакр бошида Фарғонани босиб олиш ҳаваси пайдо бўлиб, ўз ихтиёрида бўлган лашкари билан Фарғона шарқидан кириб келиб, бир неча кунлик карру фарри натижасида (Фарғона) сипоҳи ва раиятининг мудофаа ва муҳораба ишларида ҳамжиҳат ва иттифоқда бўлганлари, уларни ўз ҳукмронларига жонсипорлик ва хизматга шайликларини ҳис этиб, афсус ва надоматлар чекиб, бу ғарқобдан саломатлик бурчагига ўзини олиб Кошғарга қочди.

Ҳақиқий молик ул-мулкнинг лутфи ва бахти баланд мадади ила Фарғонанинг шоҳи, сипоҳи ва раияти бу бало тўфонидан қутулиб, нажот соҳилига етдилар. Илоҳий неъматларнинг шукрини бажо келтириб, муҳтожларга назру ниёз улушиб, давлат, ҳукумат ва ватанларининг нангу номуси ҳимояси, душманнинг дафида мардлик ва баҳодирлик кўрсатган, азиз жонларини дариғ тутмаганлар ҳол ва мартабаларига қараб, хусравона карам ва эҳсонлардан сарафроз ва шод бўлдилар.

Бу ишларнинг тартибу танзими ва саранжомидан сўнг мамлакатнинг ободонлиги, ички ва ташқи ишлари билан машғул бўлиб, уч йилгача халқуллоҳнинг амнияти ва осойишталиги, адлу инсоф ва раиятпарварлик билан банд бўлиб, фируз бахт ва комронликда ўмрини ўтказди.

Тахтга ўтиришининг тўртинчи йили амирзода Бойсунғур ҳукуматида тўйган Самарқанд аҳолисининг даъвати билан, (Бобур) муборак рамазон ойи Андижондан чиқиб келиб, Самарқандни камалга олди. Бошқа тарафдан Бухородан чиқиб Хўжа Козарун мавзеига етиб келиб кўнган Султонали Мирзо Бобурхон билан бирга Самарқанд қамалига киришди ва Бойсунғур Мирзо билан уруш олиб борди. Қиш мавсуми кирганда Султонали Мирзо қамалнинг чўзилиб кетишидан малул бўлиб, Бухорога қайтди. Самарқанд қамалида Муҳаммад Бобур собитқадам туриб, Хўжа Даҳдор мавзеини черик қишламиши учун танлади.

Шу аснода Туркистон⁵⁵⁵дан Шайбонийхон⁵⁵⁶ амирзода Бойсунғур мадади учун яқинлашиб, Самарқанд қалъасига яқин жойни кўшини қароргоҳига айлантирди. Шайбонийхонни Бойсунғур

⁵⁵⁵ Туркистон – қадимги Яси. Сирдарё қуйи оқимидаги шаҳар. Истеҳком ва қалъа бўлган.

⁵⁵⁶ Шайбонихон – Шибан/Сибан, куш номи Султон Муҳаммад Шайбонийхон (1451–1510) – шайбонийлар сулоласи асосчиси. Абулхайрхоннинг набираси, Шоҳ Будоғ султоннинг ўғли. Абулхайрхон унга Шоҳбахт деб лақаб кўйган. Отасининг эрта вафотидан сўнг, бобосининг қарамоғида қолган Султон Муҳаммад Шайбон Бойшайх оталиғида вояга етган. У XV асрнинг 80-йилларида Абулхайрхон вафотидан сўнг Дашти Қипчоқнинг асосий худудида ўз ҳукмронлигини ўрнатмоқчи бўлган. Шайбонихон 1490 йиллардан ўзаро курашлар ва ички низолар туфайли тобора заифлашиб бораётган Темурийлар худуди бўлган Мовароуннахрда ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун ҳаракат бошлаган. XV асрнинг охири – XVI асрнинг бошларида Мовароуннахрга қилган юришлари натижасида ҳокимият бошқаруви унинг кўлига ўтган. Шайбонийхон Туркистоннинг Сигноқ, Саброн, Ясси шаҳарларини ҳам ўз қўл остига киритган. 1504 йили Ҳисор, Қундуз, Бадахшон, Балх,

кўмакига келиши хабаридан Бобурхон воқиф бўлгач, байроғи остидаги лашкарини ораста қилиб, ҳозир Дахбед деб аталмиш Дахдор мавзеидан чиқиб мужодала ва муқобала учун олдинга юрди. Шайбонийхон эса аста-секин лашкарини Самарқанд дарвозасига яқинлаштирди ва муқобилиятга киришмади. Бойсунғур Шайбонийхонни муҳораба ва жанга киришмаётганини кўрди ва шаҳар дарвозаларини унга беркитди. Шайбонийхон келишидан пушаймон бўлиб, ўз вилоятига қайтиб кетди. Бойсунғур ниятлари малга ошмади, ноумид ва маънос бўлиб, Бобурхон ҳузурига ярашиш эшикларидан кирмоқчи бўлиб, ўртага улуғлар ва олимларни қўйди. Бир неча борди-келдилар натижасида шунга қарор қилиндики, Бойсунғур Самарқандни қолдириб, молу бойликдан қанча хоҳласа олиб, барча тобелари ва кўч-кўрони билан Ҳисори Шодмон ва Қундуз тарафига чиқиб кетади, ҳеч ким унга тўсқинлик қилмайди. Шундан кейин Бобурхон Самарқанд шаҳрига киради. Ҳар иккала томон бу шартларга рози бўлдилар. Бойсунғурхон шаҳар аҳолиси билан видолашиб, Ҳисор ва Қундуз ҳокими Хусравшоҳ қошига чиқиб кетди.

Ҳижрий 903 йили, рабиъ ал-аввал ойининг охирларида⁵⁵⁷ шаҳарнинг уламо, фузало ва раияти Муҳаммад Бобурхон истиқболига чиқиб, катта дабдаба билан шаҳарга олиб кириб, хонлик тахтига ўтказдилар, шодлик ва муборакбодликнинг катта нағорасини садога келтирдилар.

Самарқанддан Қундузга равона бўлган амирзода Бойсунғур Хусравшоҳ олдида яқинлашиши билан Хусравшоҳ хабар топиб истиқболига чиқди, мунофиқлик билан иззат ва икром кўрсатиб ўз манзилига туширди. Бир неча вақт унинг хизматида бел боғлаб, тарих 905 йили, муҳаррам ойининг ўрталарида⁵⁵⁸ фурсат топиб шаҳодат даражасига етказди.

Амирзода Бойсунғур 882 йили⁵⁵⁹ таваллуд топган эди. Темурий амирзодалар ичида фазлу илм, насх ва таъалиқ хатида ул замоннинг сарвари эди. Бу номард Хусравшоҳ дегани амирзода Масъудни ҳам олдин жафокорлик ништари билан кўр қилган эди. Бу иккала бегуноҳ амирзода унинг валинеъматлари бўлган. Уларнинг оталари бу золимни тарбия қилиб шундай амирлик мақомига етказган эдилар. (Хусравшоҳ) фоний ҳукумат ва бу бешкунлик умр ивазигаким, кўз олдида бир кўпикдан ортиқ нарса эмасдир, ўзига дунё надомати ва ҳар миллатнинг охиратдаги нафратини олиб, қиёмат қойим бўлгунча айём саҳифаларида бадномлик номини сабт қилди. Андак фурсат ўтмасдан ўзининг разил феълига яраша у ҳам гирифторм бўлиб, жазосини кўрди – бухоролик ўзбеклар қўлига тушиб минг хорлик ва зорлик билан ўлдирилди. Бу воқеалар ва ахборотнинг тафсиллини «Тарихи Бобурий»⁵⁶⁰ ва «Тарихи жаҳоннома»да⁵⁶¹ кўриш мумкин. Бу мухтасарда эса уларнинг тўлиқ баёни сифмайдир.

Самарқанд фатҳи чоғида Муҳаммад Бобурхон ўн олти ёшда эди. Биринчи дафъа Самарқанд ва унинг тобеотида уч ойу ўн кун ҳукмронлик қилди. Шу вақтда унинг табиатида бир оғир хасталик юз берди. Таби кўтарилиб бир неча кун беҳуш ётиб, ейишдан ҳам қолди. Шу аснода Узун Ҳасан ва Аҳмадбек Танбалким, Муҳаммад Бобурхон сипоҳининг улуғларидан эдилар, хоннинг тузалишидан ноумид бўлиб қочиб Аҳсига келдилар. Фитна ва фасодга қўл уриб овоза қилдиларки, Бобурхон Самарқандда вафот қилди, энди Фарғона ҳукмронлиги Жаҳонгирхон, Бобурхоннинг укасига тааллуқли. Фитнажўй баъзи одамлар йиғилишб Жаҳонгирхон хонлигига аҳд-паймон қилдилар ва лашкар йиғиб Фарғонанинг бошқа шаҳарларини босиб олиш учун азм қилдилар. Амирзода Жаҳонгирхон шу аснода ўн тўрт ёшда эди. Ҳукумат ва лашкария ишини Узун Ҳасан, Аҳмад Танбал ва бошқа исёнчилар қўлларига олдилар. Жаҳонгирхонни ҳукуматдан маҳрум этган ҳолда Андижонга олиб келиб, шаҳар қамалини бошладилар.

Бобурхоннинг гумашталари⁵⁶² қалъа ҳимоясида кўп саъй ва ҳаракат қилиб, уруш ва саваш билан машғул эдилар. Билохира Жаҳонгирхон давлатининг устунлари қалъага сўзга чечан бир элчини юбориб, изҳор қилдиларки, Муҳаммад Бобурхон вафоти этган. Ким учун шунча хизмат ва қаршилиқни кўрсатмоқчисизлар? Бобурхондан кейин унинг укаси Жаҳонгирга итоат қилишингиз керак. Қалъадагилар элчига «Бобурхоннинг ваҳшатасарли вафотига далил келтирсаларинг шунда ишониб, биродарига тобе ва итоат қилишимиз лозим бўлмай». Деб жавоб бердилар. Шунга биноан қалъа ҳимоячиларидан икки нафар, Аҳмад Танбал ва Узун Ҳасан тобеларидан икки киши аниқ хабар

1505 йилда Хоразм, 1507 йилда Ҳирот ҳам унинг қўл остига ўтган. Кейинроқ Эроннинг Машҳад ва Тус шаҳарларини ҳам эгаллаган. 1510 йилда Марв яқинидаги Маҳмудобод қишлоғида Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг ўн икки минг кишилиқ аскар билан Шайбонийхон кўшини ўртасидаги жангда унинг кўшинлари мағлубиятга учраган ва Шайбонийхоннинг ўзи ҳам ҳалок бўлган.

⁵⁵⁷ Милодий 1497 йил ноябрь ойида.

⁵⁵⁸ Милодий 1499 йил август ойида.

⁵⁵⁹ Милодий 1477–1478 йили.

⁵⁶⁰ «Тарихи Бобурий», яъни «Бобурнома».

⁵⁶¹ «Тарихи жаҳоннома» – Авазмухаммад Аттор Хукандийнинг асаридир.

⁵⁶² Али Дўст Тағой ва Хўжа Қози. Қаранг: «Бобурнома». – 51^а-54^а вар.

олиб келиш учун Самарқанд тарафига юборилди. Улар Самарқанд вилоятига етиб келиб, дор ул-аморатга кирдилар ва Бобурхонни беҳуш ётган ҳолда, унинг оғзига шарбат томчилаётганда ҳам томоғидан уни ўтмаётганини кўриб, мушоҳада қилиб қайтиб келдилар. Аҳмад Танбал бу хабарларни билиб, мухбирларни ёлғон сўз ва ваъдалар билан алдаб қалъага юборди. Бу бешарм ва каззоб хабарчилар Аҳмад Танбал ва Узун Ҳасан берган ёлғон табакни кўтариб, қалъага кирдилар ва Бобурхон вафотини исботлаб бергандек бўлдилар. Қалъа ҳимоячиларининг ҳафсалалари пир бўлди. Баъзилар бу хабарни эшитган заҳоти қалъа дарвозаларини очдилар ва Жаҳонгирхон лашкароғига бордилар. Хўжа Қози эса бу хабарга ишонмай ўз тобелари билан қаттиқ муқобала ва муҳорабани давом эттириб, жангга киришди. Охийри танасининг бир неча жойидан ярадор бўлиб йиқилди. Қўлга тушиб қатл қилинди. У вафодорлик бобида яхши номини айём саҳифаларида ёдгор қолдирди. Валинеъмат ҳақи ва миллат қадри билган шундай одамларга Худонинг раҳмати бўлсин!

Лашкария шаҳарни забт қилиб Жаҳонгирхон Андижон дор ул-аморатида қарор топди. Фарғона вилоятининг хонлиги (номидагина) унга тегиб, ҳукумат тахтига ўтирди.

Шу воқеаларга яқин вақтда Муҳаммад Бобурхон Самарқанда соғайиб, бўлиб ўтган ходисалардан хабардор бўлиб, Самарқандни шу шаҳар улуғлари ва уламосига топшириб, Хўжанд⁵⁶³ тарафига азм этди. Ўз байроғи остида бўлган бутун лашкарини ҳам олиб Хўжандга яқинлашди. Тоғаси Султон Маҳмуд ҳузурига бир элчисини юбориб, кўмаклашишини сўради. Султон Маҳмудхон бу дарак етиб келгани билан ўз лашкарини олиб йўлга отланди. Қурама ва Оҳангарон дарёси ёқасида бахтли юлдузларининг учрашуви содир бўлди. Шу ердан биргаликда Кандир давонидан ўтиб, Фарғона исёнчиларига жазо бериш мақсадида равона бўлиб, Хуррамсарой, ҳозир Ғурумсарой номи билан машҳур бўлган мавзеда қўндилар ва бу ерни лашкароғига айлантirdилар. Амирзода Жаҳонгирхон қошидан сўзомол элчилар кўп ҳадия ва тўхфалар билан Султон Маҳмудхон ва унинг яқинлари қошига келиб, мол ва истаган нарсаларини бериб яраш ва сулҳдан дам урдилар. Султон Маҳмудхон давлатининг яқин ва ишончлик кишиларидан бўлмиш Аҳмад Танбалнинг укаси Бек Телба ва Хўжа Абулмакоримлар турли ваз ва далиллар билан соддалавҳ, мулк бошқарувини давлати арконларисиз бошқара олмайдиган Султон Маҳмудни шу ярашга рози бўлишига қўндирдилар. Қарор қилиндики, Самарқанд Бобурхонга қолади, Фарғонада Жаҳонгирхон хонлик тахтига қарор топади. Жаҳонгирхоннинг элчилари мақсадга эришиб қайтдилар. Бек Телба ҳам акаси Аҳмад Танбални кўриш учун Султон Маҳмудхондан рухсат олиб элчилар билан Фарғонага кетди. Султон Маҳмуд Тошкандга мурожаат этди. Муҳаммад Бобурхон Султон Маҳмуддан кўзлаган ёрдамини ололмаганини билгач Султон Маҳмудхон рухсати билан ундан ажралиб, зудлик билан ҳаракат қилиб Хўжандга келди. Шу ерда Султонали Мирзони Бухоро лашкари билан келиб Самарқандни фатҳ қилган хабарини эшитди. Муҳаммад Бобурхон Ўратепа⁵⁶⁴ни Султон Маҳмудхон Тошкандий номидан бошқараётган Муҳаммад Ҳусайн ҳузурига бир чопар юбориб, ундан ўз лашкарининг борди-келди йўлини очиб қўйишини сўради. Ўзи ҳам чопари ортидан йўлга чиқиб, Самарқандни озод қилиб, қўлга олиш учун ул жонибга шошди. Пешоғар қалъасига келиб қўним нуруни сочти. Бир муддат шу мавзеда қолиб, ҳар ёнга қўшин юборди, фатҳ ва ғалаба муяссар бўлмагач қиш мавсуми ҳам кириб қолди. Пешоғар қалъасида ғалла ва озиқ-овқат захираси лашкар истқомати учун камлик қилиб етмагани, қалъада ҳам бутун лашкар сиғмаганини билиб, бир кенг мавзени лашкар қишламиши, ғалла ва ем-хашак лашкар ва уларнинг от-уловларига етарли бўлишини истаб, Ўратепа ва Хўжанд оралиғидаги қишлоқлар ва яйловларни танлашга қуръа ташлаб танлади. Шу тарафга ҳаракат қилиб қишда бу ерда истиқомат қила бошладилар.

Шу айёмда Муҳаммад Бобурхон кўп ранж чекди. Мамлакатни қўлга олишга кўп тафаккур ва тахайюр қиларди: Самарқанд қўлга кирмаган, Андижон қўлдан кетган! Мақсадга эришиш учун қай тамонга азм қилиш кўзга кўринмас, бу ноҳияда сокин турмоқ ҳам бахт чехрасига мурод эшикларини очилмас эди.

Бахтли тасодифдан шу кунларда Фарғона умароларининг баъзиларидан кетма-кет чопарлар келиб, Бобурхонга ариза келтирардиларки, агарчи биздан камчилик ўтган бўлса ҳам уларни кечирим ва авф суви билан ювиб, бу вилоятга юриш қилсинлар, деб. Имкон қадар бандалик маросимига

⁵⁶³ Хўжанд – “Хўжалар шаҳри” – дегани, ҳозир Тожикистоннинг Суғд вилояти маркази, собиқ Ленинобод.

⁵⁶⁴ Ўратепа – Ўратепа/Истаравшан – Қўқон ва Бухоро давлати чегарасида жойлашган мулкнинг маркази. Фарғона, Зарафшон, Илоқ водийларини бир-бири билан боғлаб турган катта савдо йўлида жойлашган қадимий шаҳар. Ҳозир Тожикистондаги Суғд вилоятида туман маркази. Қадимда Усрушона/Истаравшан тарихий-жуғрофий ҳудуднинг маркази шу шаҳарнинг яқини (қадимий Киропол)да жойлашган эди.

⁵⁶⁴ Истаравшан – Истаравшан/Усрушона – тарихий-жуғрофий ҳудуд сифатида Жиззахдан Хўжандгача бўлган жойлардан таркиб топган эди.

кўшиш қилиб, гунгоҳларимизни ювишга ҳаракат қилурмиз. Муҳаммад Бобурхон бу даракдан воқиф бўлиб, шу манзилдан Марғинон⁵⁶⁵ тарафига азимат лажомини буриб, тез суръат билан ўтиз тўрт фарсахни бир кечаю кундузда кезиб ўтиб, эртаси тонгда Марғинонга етиб келди. Марғинон ҳокими Али Дўстбек Тағой ва бошқалар Бобурхоннинг келишидан огоҳ бўлиб унинг истиқболига шошдилар. Унинг ўзангусини ўпиш шарафига етиб, иззат ва тажаммул билан шаҳарга олиб кирдилар ва дор ул-аморат қасрига қўндирдилар. Жаҳонгирхон ва унинг давлат арконлари бу хабарни эшитиб, катта лашкар билан Андижондан чиқиб, манзилларни босиб келиб Марғинон шарқида бир фарсах узокликда жойлашган Сипон маҳал қишлоғида тушдилар. Муҳаммад Бобурхоннинг лашкари ҳам шаҳардан чиқиб, ҳар куни уруш ва саваш билан машғул бўлдилар. Икки тарафдан ҳам жуда кўп одам ҳалок бўлди. Етти кундан кейин зафар насими Муҳаммад Бобурхон ялови томонига эсди, Жаҳонгирхон амирлари билан бирга Андижон тарафига кетди. Андижон шахрининг аҳолиси ва халқи дарвозаларни ёпиб, уларни қалъага қўймадилар. Зудлик билан Марғинонга чопар юбориб, вазиятни маълум қилдилар. Муҳаммад Бобурхон бу хабардан воқиф бўлиб, Андижон томонига черик тортди. Жаҳонгирхон ва Аҳмад Танбал Ўш тарафига кетдилар. Узун Ҳасан эса бир гуруҳ исёнчи ва иғвочилари билан Аҳси шахри сари юзланди. Муҳаммад Бобурхон Андижонга етиб келганида уламо, фузало ва раоё шоду хуррам унинг истиқболига чиқиб, аҳволу мансаблари ва мақомларига яраша шоҳона навозишлар кўрдилар.

Сана 904 йили зу-л-қаъда ойининг охирларида⁵⁶⁶ Бобурхоннинг Андижон дор ул-аморатидаги меросий давлатхонасига чиройли кўниши воқе бўлди.

Жаҳонгирхон ва Аҳмад Танбал Ўшга етиб борганларида Ўш аҳолиси уларга шаҳар дарвозаларини ёпиб, мудофаа ва муқобалага киришдилар. Улар бу ерни ҳам тарк этиб, Ўзганд қалъасига кетдилар.

Муҳаммад Бобурхон бир қанча қалъа ва шаҳарларни босиб олиб, бу ишлардан фориф бўлгач Фарғонанинг энг муҳим шахри ва қалъаси бўлган Аҳси қамали учун черик тортди. Бу шаҳарда Узун Ҳасан яшириниб олган эди. Муҳаммад Бобурхоннинг мавкаби бу ерда етиб келиши билан Узун Ҳасан қаршиликка тоқати ва тоби йуклигини билиб, Аҳси шахрининг уламо ва шайхларини ўз гуноҳи ва сиёсатидан шафоат тилаш учун қалъанинг калитлари ва хазинаси билан-ўқ юборди. Ўзи ҳам уларнинг ортларидан Бобурий даргоҳига анча хижолат ва шармандалик билан етиб келиб, гилам ўпиш шарафига мушарраф бўлди. Сиёсат расм-русумига биноан ўлимга лойиқ бўлса ҳам унинг қонидан кечиб, молу мулки ва хос тобелари билан Қоратегин йўли орқали Қундуз томонига кетиши учун рухсат берилди. Бобурхон бу вилоят ишларини саранжом қилиб Андижонга қайтди.

Ўзганд қалъасида бўлган Жаҳонгирхон ва Аҳмад Танбал ҳам шу аснода Султон Маҳмудхон Тошкандий хузурига бир элчи юбориб, ундан мадад сўрадилар. Султон Маҳмудхон ўғли Султоним ва Хоника номи билан донгдор бўлган Султон Муҳаммадни Аҳмад Танбалнинг амакиси Ҳомидбек билан бирга олти минг муғул лашкари билан Жаҳонгирхонга ёрдам бериш учун номзад қилиб юборди. Шу кўмак етиб келгани билан Жаҳонгирхон ва Аҳмад Танбалнинг ўмизлари кучга тўлиб, Ўзганд қалъасидан чиқиб Муҳаммад Бобурхон муҳорибасига қасд қилдилар. Аҳмад Танбалнинг фиску фасодидан бир неча ой давомида икки ака-ука ўртасида давлат ва ҳукумат борасида жанг ва жанжол давом этди. Оқибат ислом уламолари ва икромли фузалолари «Сулх яхшироқдир»⁵⁶⁷ деган амрга амал қилиб, ўртага сулҳ ва ярашни ўрнатдилар. Шундай қарорга келиндики, Сир дарёсининг жануби, ғарбда Хўжандгача ва шарқда Кошғар мамлакатигача Муҳаммад Бобурхонга, Сир дарёсининг шимоли эса ғарбда Кандир давони ва унинг этагигача, шарқда Кетмонтепа тоғлари ва унга туташ ерларигача Жаҳонгирхон ихтиёрига ўтади. Шунда улардан ҳеч бирлари бу ерларни қайта тақсимлаш ва эгаллашлари учун даҳолат ва тасарруф учун жойиз деб билмасин. Ҳар иккала мулкнинг чегараси Сир дарёси бўлади. Баҳорда ака-ука бирга Самарқандга лашкар тортадилар ва бу вилоят қўлга киритилса у Муҳаммад Бобурхон салтанатига берилади, Фарғона эса бутунлай Жаҳонгирхонга тааллуқли бўлажак. Бу сулҳ шартлари муҳаррам ойи, сана 905 йили имзоланиб⁵⁶⁸, аҳдномага Муҳаммад Бобурхон ва Жаҳонгирхон имзо қўйиб муҳрларини босдилар. Икки тарафнинг уламо ва умаролари ўз гувоҳликларини ҳужжатга сабт қилдилар. Шундан сўнг Жаҳонгирхон акаси Муҳаммад Бобурхон хизматига келиб, манзури назарига мушарраф бўлиб, шоҳона лутфига сазовор бўлди ва қайта ўз иззат қароргоҳига қайтди.

Шу вақтда Муҳаммад Бобурхон Андижон дор ул-аморатида Ойиша бегим бинт Султон Аҳмадга шаръий никоҳ билан ҳарамии пардаси ортидан жой берди.

⁵⁶⁵ Марғинон/Марғилон – Фарғона вилоятидаги шаҳар.

⁵⁶⁶ Милодий 1499 йили июль ойида.

⁵⁶⁷ Қуръони карим, 4:128.

⁵⁶⁸ Милодий 1499 йили 8 август – 7 октябрь.

МУҲАММАД БОБУРХОННИ САМАРҚАНДНИ ҚЎЛГА ОЛИШ УЧУН АЗМ ҚИЛҒОНИ ЗИКРИ

Тарих 905 йили зу-л-қаъда⁵⁶⁹ ойида Самарқанд улуғларининг сараси бўлмиш Муҳаммад Мазидбек тархон номидан Абдулваҳҳоб (нинг ўғли) Мири Муғул⁵⁷⁰ билан кетма-кет чопарлар келиб, бу вилоятга Муҳаммад Бобурхонни юриш қилишини илтимос қилардилар.

Фарғона мамлакати икки хон ўртасида тақсим бўлганида ҳам хатар бор эди. Салтанатдаги шерикликдан ҳам Муҳаммад Бобурхон хотирида бир ғубор пайдо бўлган эди. У давлат арконлари ва машварат арбобларини ҳузурига чорлаб, қўзғалиш ёки турмоқ бўйича маслаҳат қилди. Барча иттифоқлашиб Самарқанд юришига қарор қилдилар. *Тавочилар* лашкар йиғишга маъмур бўлдилар ва андак фурсатда фаровон лашкар Бобур байроғи соясида жам бўлиб, Самарқанд сари ҳаракат қилишди. Манзил ва масофаларни босиб ўтгач Самарқанд шаҳрига яқинлашганда, мухбирлар хабар бердиларки, Шайбонийхон беадад лашкари билан Бухорони босиб олиб, Самарқанд тарафига юзланибди. Муҳаммад Бобурхон келган йўлидан Кеш, ҳоло Шаҳрисабз номи билан машҳур бўлган диёрга қараб йўлга чиқди. Кешда ўн тўрт кун ором туриб, Самарқандни Султонали Мирзо жанг ва жадалсиз Шайбонийхонга бериши, Шайбонийхон унинг онасини никоҳига олиб, Султоналини фарзандликка қабул қилиши, Бухоро ва Самарқанд лашкари унга аҳд-паймон қилгани хабарини эшитиб, Кешда қолишини салоҳ кўрмай Ҳисори Шодмон ва Кўлоб орқали Кўҳистон ва Бадахшонга кириб, Қоратегин йўли орқали Андижонга ўтмоқчи бўлди. Бобурхон Кўлоб ноҳиясига етиб борганида ёмғиргарчиликдан лашкарини ақба ва йўллардан ўтиш жуда оғир, мушқил, машаққатли ва хатарли эканини билди. Сурхоб дарёсидан ўтиб, масофаларни босиб ўтгач у ердан Масчо тоғлари тарафига юриш лажомини бурди. Минг машаққатлар билан Фон қалъаси⁵⁷¹ ни ўнг қўлга қолдириб, Кештут қалъаси⁵⁷² тарафига равона бўлиб, Кўҳак (Зарафшон) дарёсининг соҳилига етиб келди. Шу ердан Ўрметан мавзеи ва Ёри⁵⁷³ яйлоқи орасига етиб келиб, қўнди ва бу ердан ҳам отланиб Сафедак қалъаси⁵⁷⁴ да бир неча кун лашкария от-уловига дам бериб, йўл азобидан ўзлари ҳам бироз қутулиб, Сафедак қалъасидан шабгир уриб, эрталаб тонгда Самарқанд қалъасига етиб келдилар. Бобурхон буйруғи билан қалъага нарвон ва арқонлар орқали секин кириб, шаҳар дарвозаларига қараб юриш қилдилар ва ноз уйқусига кетган посбонларни йўқлик оламига жўнатиб, шаҳар дарвозаларини очдилар. Интизор бўлиб турган лашкар дарвозалардан шаҳарга кириб, Шайбонийхон қалъа муҳофазати учун қолдирган ўзига тобе муғулларниким, бундай ҳодиса бўлишини ҳатто туш ва хиёлларида келтирмасдилар ва ғафлат уйқусида бўлиб, такбир овози билан уйғонганларида саросима ва ҳайрон овоз чиққан тарафига юриб боришлари билан жангда ўлдириб кетардилар. Шаҳар аҳолиси бу хабардан огоҳ бўлиб, Муҳаммад Бобурхон ёрдами ва мададига киришиб, ҳар ёндан муғулларга хужум қилиб, жанг ва жадалга қўл урдилар. Муғуллар Оҳанин дарвозаси тарафига қочиб кетганларида, шаҳар ҳокими ва муғулларнинг амири лашкари Вафо Мирзо ўз жангчиларини жангга далолат ва тарғиб қилишга уринарди. Муҳаммад Бобурхон бу маъракада ўзи мардлик ва мардоналик додини бериб, қаттиқ жанг барпо қилди. Эртаси тушдан кейин муғулларнинг қолган қисми шаҳардан қочиб кетдилар ва шаҳар муҳолифлардан пок бўлди. Бу шаҳарнинг ашроф ва аъёнлари муборакбодлик ва табрик учун чиқиб, хон хизматида келдилар ва хусравона навозишлар билан тақдирланиб шод ва хуррам бўлдилар. Муҳаммад Бобурхон Оҳанин дарвозасидан дор ул-аморат қасрига кириб қўним топди. Хонлик тахтини ўз вужуди билан зеб-зийнат берди. Самарқанд фатҳига атаб замона фозиллари тарихлар ёзганлар. Жумладан шу байт билан кифояланди:

Нек гуфто хирад таърихаш,
«Фатҳи Бобур баҳодир аст» бидон⁵⁷⁵.
[Хирад унинг тарихини яхши айтди,
«Бобур баҳодир фатҳидир» билгин].

⁵⁶⁹ Милодий 1500 йили 29 май – 28 июнь.

⁵⁷⁰ “Бобурнома”. – 77^a вар.

⁵⁷¹ Фон қалъаси – Фондар юқорисида, Айни-Душанбе автомагистралада жойлашган.

⁵⁷² Кештут/Кштут/Кўштут – Тожикистоннинг Панжакент туманидаги қишлоқ номи.

⁵⁷³ Ёри – Зарафшоннинг ўнг тарафида жойлашган қишлоқ. Самарқанддан 84 км узоқлигида жойлашган.

⁵⁷⁴ Сафедак қалъаси – ҳозирги Панжакент шаҳри. Самарқанддан 60 км. узоқлигида жойлашган.

⁵⁷⁵ “Бобурнома”. – Б.77.

Шу аснода хоннинг онаси ва завжаси Андижондан етиб келиб, бир-бирларининг дийдорларидан комёб бўлдилар. Муҳаммад Бобурхоннинг хотини Ойиша бегимдан бир қиз оламга келди, Фахр ун-нисо деб исм қўйилди. Бу Бобурхоннинг биринчи фарзанди эди.

Муғул лашкари Самарқанддан қочиб Шайбонийхон мавкабига етиб борганида, бўлган воқеани унга билгиздилар. Шайбонийхон яна катта лашкар йиғиб, жанг асбобларини омода ва муҳайё қилиб, кучли лашкар билан Самарқанд томонига йўл олди. Самарқанд яқинидаги Хўжа Козарун ноҳиясини лашкаргоҳ қилди. Бу хабарнинг шуъласи Муҳаммад Бобурхон саройида чараклаганида бир доно элчини лойиқ тухфалар билан Ҳиротнинг хони Султон Ҳусайн ва унинг ўғли Бадиъ уз-замон Мирзо хизмати ва ҳузурига юбордилар. Хатда ёзилдики, агарда ул жаноб бу фарзандга ёрдам бериб лашкарини бир фарзанди билан юборса бу кучли душман, яъни Шайбонийхон ўртадан кўтарилади. Агарда шу вақтда ғафлат ва кечикиш содир бўлса, унда билиб қўйишсинки, чумоли илонга айланиб ул жанобнинг мамлакати сари юзланар. Ўшанда пушаймонликдан афсусланиш суд бермайди. Султон Ҳусайн Мирзонинг давлати охирга етиши ва тадбир ипининг боши қўлдан кетганидан у Муҳаммад Бобурхоннинг элчисини номақбул узрлар билан қайтарди. Яна бир қосидни Бобурхон тоғаси Султон Маҳмудхон Тошкандий ҳузурига мадад сўраб юборган эди. Ундан ҳам носавоб бир жавоб келди. Муҳаммад Бобурхон яқин атрофдан мадад келмаганидан анча маъюс бўлди. Ўз ялови остида бўлган лашкарини ораста қилиб, Шайбонийхонга қарши чиқди. Бир неча кун икки тарафдан саваш ва муқотала зухурга келди. Оқибат ғалаба Шайбонийхон тарафидан кўзга кўринди. Муҳаммад Бобурхон Самарқанд қалъасига чекиниб, қалъанинг буржлари ва деворларини таъмирлаб, қалъа ҳимояси ишлари билан машғул бўлди. Шайбонийхон қалъани олиш учун керакли асбобу анжомлар ва манжаниқларни омода қилиб, кеча ва кундуз қалъа қуршовига ҳаракат қилар эди. Қалъани гир-айлана черикига бўлиб бериб, ҳар тарафдан навбатма-навбат султонлик жанглар олиб борарди. Қалъада яширинганларни эса ғалла ва нон танқислигидан жонлари оғизларига келиб, очлик тиғи бориб суякларига тақалди. Бобурхоннинг аксар лашкари муҳориба вақти ва муҳосира пайтида ҳалок ёки захмдор бўлган эдилар. Қамал ва танглик ҳаддан ва имкон даражасидан ошиб кетгани боис Самарқанднинг уламози ва улуғларини Бобурхон ҳузурига чақириб, лутф ва меҳрибонлик билан «вафодорлик ва ризоғўлик бобида инсон тоқат қила олиши даражасида саъй ва ҳаракат кўрсатиб, нангу номус ҳимоясида имкон қадар жасорат кўрсатдингиз. Бундан ортиқчаси сизларга ранж ва ҳалокат келтиради ва убни сизларга раво кўрмагаймен. Сизлар билан видолашиб кетурмен. Сизлар шахр ва миллат силоҳи учун нимаеки раво кўрсаларинг шуни бажо келтиринглар, шуни чорасини кўринглар», деб айтди. Шаҳар азизлари кўз ёшларини дийдаларидан равона қилиб айтдиларки: «давлат ва миллат хизмати учун танзимдаги жон ва томиримиздаги бир қатра қонни ҳам дариг тутмаймиз». Хон ҳам рикқатга келиб, дийдасида ёш қайнаб чиқди. Хон улуғларга мартабаларига мувофиқ инъом ва эҳсонлар бериб, ярим кечада ўз тобелари ва лашкари билан шаҳарнинг жанубий дарвозасидан чиқиб, шу тарафда қамал билан машғул бўлган Шайбонийхон лашкарига шабихун хужум қилиб, бир неча соат мужодала қилишди. Душманга кетмакет мадад келишидан Бобурхон кам ва ҳолдан тойган лашкари билан муқоваматга тоқат қила олмай бир тарафдан чиқиб, сана 907 йили⁵⁷⁶ Самарқанддан Андижон сари йўл олди.

Хўжандга етиб келганида укаси Жаҳонгирхон келиб Муҳаммад Бобурхонга қўшилди. Ахсидан унинг чиқиб кетишига сабаб шул эдики, Шайбонийхон Самарқандда хонни қамалда ушлаб турганида, вақтни ғанимат деб билиб, Аҳмад Танбал яна исён ва фасодга қўл урди ва ҳали ёш бола бўлган Умар Шайхнинг учиничи ўғли Муҳаммадносир, Жаҳонгирнинг укасини хонлик тахтига қарор топтирди. Аҳмад Танбалга бу разил ишларда ҳамтовоқ, ёр ва мададкор бўлган баъзи нокаслар Жаҳонгирхон билан уруш қилдилар. Охир ул-амр Жаҳонгирхон мағлуб бўлиб бу тарафга юрган эди. Муҳаммад Бобурхон укасига тасалли бериб, иккалалари бирга тоғалари султон Маҳмудхондан дийдор кўриш учун Тошканд сари юзландилар. Тошканд хони уларнинг келишларидан огоҳ бўлиб, уламо ва умароларини истиқболга юборди, иззат ва икром билан бир муносиб манзилга тушириб, бу азиз меҳмонларни меҳмондорчилик ва зиёфатлар билан эъзозлади.

Шу вақтда Кобул вилояти ва унга тобе ерларнинг волийси амирзода Улуғбек ибн Абу Саидхон бу фоний оламдан рихлат қилиб, унинг жасадини васиятига биноан Султон Маҳмуд Сабуктегин машҳадида дафн қилдилар. Мурғак ўғли Абдуразоқхонни отаси ўрнига Кобул тахтига ўтказдилар. Жуда кичик ёшда бўлганидан салтанат ишларида ожиз эди ва ҳам бир оқил ва соҳиб тадбир вазири йўқ эди. Атрофдаги амирлар унинг меросий мулкига кўз алойтириб, уни қўлга олмоқчи эдилар. Давлат арконлари ҳам бир-бирлари билан олишиб мамлакатнинг ички ва ташқи ишларини танзим ва тартибдан чиқариб юбордилар. Бу вазият ва аҳволдан Ҳусайн Бойқаро амирларидан бўлмиш

⁵⁷⁶ Милодий 1501–1502 йили.

Муҳаммадмуқим ибн амир Зуннун Арғунким, Хуросоннинг Гармсер ноҳиясида ҳоким эди хабар топиб, катта лашкар билан тўсатдан босиб келиб Кобул билодига мусаххар бўлди. Амирзода Абдураззоқ Кўҳистоннинг бир бурчагига кетиб қолди. Амир Зуннуннинг ўғли Муҳаммадмуқимбек Арғун Кобулга эга бўлиб, амирзода Улуғбек қизини никоҳига олди ва Кобул ҳукуматини бошқараверди.

Ҳижрий 909 йили⁵⁷⁷ Муҳаммад Бобурхон ва унинг укаси Жаҳонгирхон тоғалари Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон ҳузурларига келиб Тошкент⁵⁷⁸ шаҳрида истиқомат қилганлари зикр қилинган эди. Султон Маҳмудхон биродари Султон Аҳмадхон биланким, Алочахон номи билан машҳур эди бирлашиб, иттифоқ билан лашкар жамлаб Муҳаммад Бобурхон ва унинг укаси Жаҳонгирхонга мадад бериб, Фарғонани исёнчи ва босқинчилар қўлидан қутқариб уларга қайтармоқчи эдилар. Шу ният ва мақсад билан кучли лашкар билан Фарғонага равона бўлдилар. Икки-уч манзил йўл босганларида Шайбонийхонни Фарғонани қўлга олиш учун юриш қилаётган хабари ва овозасини эшитиб қолдилар. Бу воқеанинг тафсилоти шундан иборатки, Шайбонийхон Бухоро, Самарқанд ва уларга тобе жойларни босиб олгач, уларнинг тутумидан фориг бўлиб Фарғона, Туркистон ва Тошкандни ҳам босиб олмоқчи бўлди. У Фарғона хонлик тахтида бир кўдак ўтирганини, у ернинг амирлари бир-бирлари билан қаршилик қилаётиб «Ано ло ғайри» («Фақат мен, бошқаси эмас») нағорасини чалаётганларини кўрди. Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхонлар эса Тошканд ва Туркистонда туриб, аксар сиёсат ишларидан ғофил ва бепарво юрибдилар. Бу вилоятларнинг тасхири ва забти унга жуда осон иш бўлиб кўринди ва ўз вилоятига тавочиларни юбориб катта лашкар йиғди-да Тошкандга юриш қилди. Йўлда Султон Маҳмудхонни укаси билан Фарғона томонига кетаётганлари хабарини эшитди. Уларнинг йўлларини тўсмоқчи бўлиб Сирдарёсидан ўтиб уларга қарши муҳораба ва мужодалага шошди. Уларнинг ортидан суръат билан етиб келганида Султон Маҳмудхон, Султон Аҳмадхон, Муҳаммад Бобурхон ва Жаҳонгирхон ҳам бир муносиб жойга тушиб, жангга омода бўлиб турдилар. Лашкарнинг маймана (ўнг) ва майсара (сўл) ҳамда қалби (марказ) қанотини ростлаб, икки тараф ҳам уруш бозорини исита бошладилар. Қилич ва ўткир тиғлар бир неча кун бошларни кесиш билан овора бўлдилар. Тақдир тақозаси билан Тошканд ва Туркистон хонларига шикаст етди, баъзилар ҳалок бўлиб, баъзилар асирга тушдилар. Бир уюшма ҳар тарафга тарқалиб, қочиб кетдилар. Султон Маҳмудхон укаси Султон Аҳмадхон билан асирга тушдилар. Муҳаммад Бобурхон ва Жаҳонгирхон бу бало гирдобидан зўрға халос бўлиб Кеш ва Шаҳрисбаз тарафига чекинишни ғанимат деб билдилар. Бу ерда ҳам туролмасдан Ҳисори Шодмонга етиб бориб, Хўжа Имод қишлоғида қўним топдилар. Бу ноҳияда Хусравшоҳ номидан Муҳибали кўрчи элчи бўлиб келди ва Хусравшоҳ бериб юборган андақгина ҳадияни олиб келди. Муҳаммад Бобурхон бу совғани рад этиб, элчини қайтарди. Бу ердан ўтиб улар Қубодиёнга келиб тушдилар. Чағониён волийси Хусравшоҳнинг укаси Боқибек Чағониёний итоат ва бандаликни изҳор қилиб, ўз ишончли одамларидан Қарши хатибини истиқболга юборди. Муҳаммад Бобурхон Жайхун, яъни Ому дарёсидан Убох кечувидан ўтганда Боқибек Чағониёний ўз тобелари ва мулозимлари билан бирга келиб кўп тортуқларини хон назаридан ўтказиб, қўл ўпиш шарафига мушарраф бўлди ва шу билан даргоҳи олий хизматкорлари сафидан жой олди. Бу ердан Бобур манзилларни кезиб ўтиб, Гохмард ва Бомийён ноҳиясини лашкари отларининг туёғи остига олди. Бу ҳудуднинг ҳокими Хусравшоҳнинг жияни (синглисининг ўғли) Аҳмад Қосим мулозиматга келиб, бандалигини изҳор этди. Шу вилоятнинг энг метин ва мустаҳкам бўлган Ажр қалъасида молу бойлик ва ҳарам аҳлини қолдириб, мўътабар кишиларга уларни топширдилар. Бу ердан олдинга ҳаракат қилганларида олдин Бобур даргоҳининг мулозимларидан бўлган Ёрали Билол ва Қанбаралибекким, замона инқилобидан бу ерларга келиб қолган эдилар, хизматга етиб келдилар. Улар ер ўпиб бир хушхабар олиб келдиларки, Қундуз ва шу билоднинг улуғлари, амирлари ва лашкари зафар аломатли байроқлар эгасини етиб келишини пойлаб мунтазир турибдилар. Агарда зафар пайкарли туғларининг ойчаси шу вилоятга нур сочса бу ернинг катта ва кичиги итоат ҳалқасини қулоғларига тақиб, иродат қалқонлари билан нусрат насабли узангига келиб қўшиладилар. Толиқон, Ишкамиш ва Қизилсу мавзеларидан ўтиб, Андароб мавзеи қўшин учун қўним манзилига айлангирдилар. Шу теваракнинг қабилалари, бутун Кўҳистон аҳолиси ва кўчманчи муғуллар гуруҳ-гуруҳ ҳадия ва тухфалар билан келиб, итоат ва бандалик тавқини бўйинларига солиб бож ва хирож беришни рағбат билан қабул қилдилар.

Хуллас, ҳар бир манзил ва мавзеда лашкар ва райят Хусравшоҳдан юз ўгириб Муҳаммад Бобурхонга келиб қўшилардилар. Хусравшоҳ бу ҳолатни кўриб, итоат ва таслим бўлишдан бошқа

⁵⁷⁷ Милодий 1503–1504 йили.

⁵⁷⁸ Тошканд – хонлик даврида бу шаҳар вилоят ҳамда Дашти қипчоқ мулкининг маркази бўлган.

чора топмай Яъқуб ибн Аюбни юбориб, ожизлик ва бандалигини изҳор қилди. Вилоятининг уламо ва фузалоларини ўз гуноҳларидан шафоат тилаш учун юборди, зеро у ўз валинеъматлари бўлмиш хонзодаларга бевафолик қилиб, уларга кўп жавру жафо етказган эди: бирини ўлдириб, иккинчисини кўр қилди. Бу ҳақда юқорида бир оз таҳрир риштасига тортилган эди. Ёмонликларининг интиқомидан кўрқарди у. Боқибек⁵⁷⁹ Чағониёний Муҳаммад Бобурхон давлатининг ўлкан устунларидан бири, Хусравшоҳнинг укаси бўлиб, акаси гуноҳларини кечиришни сўраб, элчи ва уламоларга ёр бўлиб келди. Хон номидан Хусравшоҳ озодлиги ҳақида ёрлиғни қўлга киритиб олиб, элчи ва улуғлар билан акасига юборди. Рабиъ ул-авал ойининг ўрталарида Хусравшоҳким, замона хонлари ва султонларига бош эгмас, қирқ минг лашкар эгаси эди ва Қағлағадан, Дарбанди оҳанин (темир дарвоза) ҳам дерлар, то Ҳиндукушгача бўлган ҳудудни ўз таҳти тасарруфида олган, Қандаҳор ва Қундузни Султон Маҳмудхон Темурий авлодлари кўлидан тортиб олган ва амирзода Султон Масъудни кўр қилиб, Бойсунғурхонни бедод тиғ билан шаҳид қилган эди, бошқа валинеъматзодаларга кўп ранж ва озор бериб, бир неча йил мустақил ҳукм сурилгандан кейин андак фурсатда мағлуб ва қаҳру ғазабга дучор бўлди. Муҳаммад Бобурхон узангусини ўпиш учун у бир неча хослари ва яқинлари билан келиб унга мушарраф бўлди, тўққиз марта тиз чўкиб яна туриб совға-саломлар ва тортуқларини берди. Уч кундан сўнг бир неча нафар ходим ва мулозимлари билан Хуросонга кетиш учун ижозат олди. Шерим Тағойга фармон берилдики, Хусравшоҳни вилоят ҳудудидан чиқиб кетгунча кузатиб, қайтишда Ажр қалъасидан хазина ва қолдирилган нарсаларни ҳарам аҳли билан бирга олиб бу ерга келсин.

Шу аснода амирзода Мирзохон озгина сипоҳ билан етиб келиб марҳамат топди ва ака-укалари қонини Хусравшоҳдан талаб қилмоқчи бўлди. Хусравшоҳ Муҳаммад Бобурхондан олдинроқ омонлик хати олганидан у мақсадига эриша олмади.

Бу ердан лашкарияни ҳаракатга келтириб Хўжа Зайд маҳал қишлоғига келиб манзил қилдилар. Шу ерда Хусравшоҳдан ўлжа тариқасида қолган молу бойлик ва жиббахонасидаги уруш асбоб ва олатларини амирлик хазинасига зобитлар олиб келиб топширдилар. Бу ҳудуд ва қалъаларни хушёр гумашталар ва кутволларга топшириб, тартиб ва интизом, адл ва инсоф ишлари билан машғул бўлишди.

Шу пайтда мухбирлар хабар етказдиларки, Кобулистоннинг аҳолиси ва мусулмонлари зафар асар лашкарнинг бу тарафга таважжуҳ қилгани ва бу ўлкани фатҳ бўлишини эшитиб, Кобул ҳокими ва унинг тобеларига бўйсинмай фатҳ келтирувчи черик келишини пойлаб турибдилар. Агарда нусрат асар лашкар у томонга ҳаракат қилса бу мамлакатнинг фатҳи ва босиб олиши осонгина амалга ошгай. Бу хабарни эшитиб бу ердан азимат нағорасини чалиб, Кобулистон сари равона бўлдилар. Манзилларни босиб ўтгач, Ғўрбанд мавзеидан кечиб ўтиб Аштар шаҳрига етиб келганда айғоқчилар хабар бердиларки, Муқимбек Арғун амри билан унинг қариндоши Шерак Арғун катта ва кучли лашкар билан Жўйи Обборон ёққасида пистирмада ўтириб, Панжшер йўлини тўсган. Суръат билан ҳаракат қилиб Хубон кўталидан ўтиб, Дарайи Санжид лашкар учун қўниш мақомига айланди. Жангчи аскарлардан бир неча фавж танлаб олиб Шерик Арғунга қарши урушга номзод қилиб, уларга қарши юборилди. Қаттиқ урушдан сўнг Кобул волийси Муҳаммадмуқимбек лашкарига шикаст етди, аксари ҳалок бўлиб амири лашкар Шерик Арғун баъзи одамлари билан асирга олиниб, Муҳаммад Бобурхон хизматига олиб келинди. Уларнинг қуроқларини олиб, озод этиш учун амр содир бўлди. Бироқ улар хизмат ва мулозиматни танладилар. Сўнгра бу мавзедан кўчиб тезлик билан Кобул сари кетдилар. Биринчи кўнган жойда Саййид Дарбон Юсуф ибн Аюб, Саййид Юсуф ва Баҳлул Аюблар ҳамда шуларга ўхшаганлар ўз қавм ва ҳамфикрлари билан, улус ва ноҳиялар аҳолиси гуруҳ-гуруҳ тансуқот ва ҳадияларини олиб келиб, гилам ўпиш шарафига мушарраф бўлардилар. Қаробоғ чўли, Оқсарой ва Қуруғ аё мавзеларидан ўтиб, Ўланги чолок мавзеида қўндилар. Лашкарияга кўрук ва текширишни буюриб, сипоҳнинг қалби, маймана ва майсара қанотларини ораста қилиб, ишбилармон ва майдон кўрган жангчиларни танлаб, яхши тартиб билан Кобул қуршовига азм қилдилар. Шаҳарга етиб келиб уни бутун атрофини ўраб олиб, узукнинг кўзидек қуршаб шаҳарни сув ва озикадан маҳрум қилдилар. Манжаниқ ва саркўбларни ўрнатиб, қалъа олиш асбоб ва ускуналарни ишга солдилар. Кобул ҳокими Муҳаммадмуқимбек қалъанинг барча бурж ва деворларини мустаҳкамлаб, ишни билгич кўриқчиларга қалъа мўлжалини тақсимлаб бериб, қалъа девори ортидан мудофаа ва қаршилиқка турди. Баъзан бирор чопарни юбориб урушни тўхтатмоқчи ёки вақтни чўзмоқчи бўларди, зимдан эса махфий бир ишончли кишини отаси Зуннунбек Арғун хузурига, акаси Шужоъбек қошига юбориб улардан мадад ва кўмак беришларини талаб қилиб, мунтазир турарди. Муҳаммад Бобурхон ва унинг давлат арконлари унинг бу фикр ва андишаларидан воқиф бўлиб,

⁵⁷⁹ Матнда Боқибек. “Бобурнома” матни асосида тўғирланди.

нарвон ва арқонлар ёрдамида қалъага ҳар томондан қаттиқ ҳужум ва оғир жанг қила бошладилар. Қалъа олиш ишида бағоят жидду жаҳд қилардилар. Қалъани зўрлик ва қаҳр билан олишларига бир бахия қолувди.

Шаҳар аҳолисининг улуғлари Муҳаммадмуқимбекка дарак бердиларки, «агарда зудлик билан шаҳар даврозаларини очиб Муҳаммад Бобурхон мулозимларига топширмасанг биз сени тобеларинг билан бирга тутиб олиб, Бобурия лашкарига топширурмиз. Сен ноҳақ бу мулкка молик бўлган сан! Зотингда асолат ва нажобат йуқ! Сенга итоат қилишимиздан ор қилар эдик. Фурсат пойлардик. Энди вақти бўлди. Ҳақиқат ўз жойига қарор топмоғи керак». Муҳаммадмуқимбек бу кудуратанжомли сўзлардан калтак еган илондек тўлғаниб таслим ва итоатдан бошқа чора топмади. Уламо ва фузалони талаб қилиб, тамаллуқ ва узрхоҳлик қилиб, шафоат сўраш учун Муҳаммад Бобурхон ҳузурига уларни подшоҳларга лойиқ ҳадиялар билан ҳамда ўғлини қўшиб жўнатди. Бобурхонга арз қилдики, агарда бу банданинг айбу гуноҳлари устига авф ва кечирим хати чизилса эртага бу ғуломлари хизматга етиб келади. Кобулнинг уламо ва фузалолари Муҳаммадмуқимбек ўғли билан хон мулозиматига етиб келганларида, гилам ўпиш иззатига комёб бўлиб, тансуқот ва тухфаларни бериб, қалъа ва хазиначилар калитларини хони олий гумашталарига бериб, ожизлик ва зорлик билан Муҳаммадмуқим Арғун гуноҳларини кечиритишни сўрадилар. Хусравона марҳаматлар уларнинг аҳволларига яраша содир бўлди. Лутф ва қарам билан унинг қонидан ўтиб, келишига ижозат берилди. Бу вилоятнинг улуғлари ва мўътабар кишиларини фохира кийимлар билан силаб қайтардилар. Бу жамоат қайтиб келганидан сўнг Муҳаммадмуқимбек бир неча хос мулозимлари билан ҳумоюн ўрдусига келиб, остонбўслик шарафига мушарраф бўлди. Кетишга рухсат олиб ўз яқинлари ва шахсий молу мулки билан отаси Зуннунбек тарафига чиқиб кетди. У билан бир сарҳангни юбориб, мамлакат худудидан чиқориб қайтиб келдилар.

Лашкар улуғлари ва чегара амирлари шоҳ ўрдусига келиб фатҳ ва зафарни муборкабод этардилар. Атрофдаги хонлар элчилар юбориб муборканомалар орқали яқинлашиш фикрда бўлардилар. Бу фатҳ муносабати билан шаҳарга байрамона зеб ва зийнат бериб, рабиъ ус-соний ойи сана 909 йили⁵⁸⁰ Аллоҳнинг лутфу қарами, ҳумоюн бахтининг кучи билан [Муҳаммад Бобурхон] Кобулистон ҳукмронлик тахтида тамкин топди. [Дарҳақиқат] «Сен Ўзинг истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан, истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан»⁵⁸¹.

Зи модар ҳар ки давлатманд зояд,
Фурўғи давлаташ зулмат зудояд.
Ба хористон равад гулзор гардад,
Аз ў гул нофайи тотор гардад.
[Онадан давлатманд оламга келган,
Давлатининг нури зулматни йўқ қилур.
Тиконзорга борса уни гулзор қилур,
Ундан гул мушку амбарга тўланур].

Шундан кейин Ҳиндистон мамлакатада Бобурхонга кўп футухотлар муяссар бўлганки, бу ҳақда тарих китобларда кўп ёзилган. Уларни бу авроқда такрор баён қилишни ҳожати ҳам йўқдир.

Юқорида баён қилинган эдики Шайбонийхонни Султон Маҳмудхон Тошкандий, унинг укаси Султон Аҳмадхон ва Бобурхону Жаҳонгирхон билан муҳораба қилиши пайтида фатҳ ва нусрат Шайбонийхон лашкарига тегиб, Султон Маҳмудхон ва унинг укаси тақдир панжасига асир тушиб, Муҳаммад Бобурхон укаси билан Кеш, Ҳисори Шодмон ва Қундуз тарафига кетган эдилар. Аллоҳ инояти билан улар бошқа бир давлатга восил бўлдилар. Шайбонийхон Туркистон ва Тошканд шаҳарларини босиб олгач, Фарғона тарафига лашкар тортди ва ул мулкни Муҳаммад Бобурхоннинг кенжа укаси Носирхон ва Аҳмад Танбал қўлидан олиб, Носирхонни Кобул тарафига кетиши учун рухсат берди. Аҳмад Танбал эса қилмишига яраша жазо олди. Ҳар бир шаҳарга бир ҳоким қўйиб, бу ишлардан фориғ бўлгач, Самарқанд дору-с-салтанатига мурожаат этди. Мовароуннаҳр ва Туркистонда у мустақил ҳукумат юргизди.

Шайбонийхонга боғлиқ қолган воқеалар бюаёнини «Шоҳномаи Абдуллоҳхоний» ва бошқа тарихий асарларда кўриш мумкин. Бу мухтасарда эса улар сифмайди. Шу жойгача тарихи Бобурийдан қисқа тарзда воқеалар баёни келтирилди. Бундан кейин бошқа тарихий асарлардан ҳам мухтасар тарзда таҳрир бўлур, фақат...

⁵⁸⁰ Милодий 1503 йили 23 сентябрь – 22 октябрь.

⁵⁸¹ Қуръони карим, 3:26.

**ЗАҲИРАДДИН МУҲАММАД БОБУР ПОДШОҲИ ҒОЗИЙ ИБН АМИРЗОДА УМАР
ШАЙХ ИБН СУЛТОН АБУ САИД ИБН СУЛТОН МУҲАММАД ИБН СУЛТОН МИРОНШОҲ
ИБН АМИР ТЕМУРИ КЎРАҒОН**

Бобурхоннинг бахтли туғилиши олтинчи муҳаррам, сана 888-чида⁵⁸² юз берган. Бир фозил унинг таваллудига атаб мана ушбу таърихни қалам учи билан ёзган: Таърих:

Чун шашуми муҳаррам зод он шаҳи мукаррам,
Таърихи мавлудаш ҳам «шаши муҳаррам».
[Ушбу мукаррам шаҳ олтинчи муҳаррамда туғилганидан,
Тарихи ҳам бўлди олтинчи муҳаррам.]

Унинг муқаддас онаси Қутлукнигор хоним бинт Юнус хон, Муғулистон ва Туркистоннинг подшоҳи бўлган. Юнусхон подшоҳнинг мунавар марқади Тошкандда, зиёратгоҳ ва муборак бўлган Шайх Хованд Тахурнинг нурга тўла мазоридадир.

Амирзода Умар Шайх шайх ул-ислом Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг мухлиси ва муътақиди бўлиб, ўғлига ном қўйишларини улардан илтимос қилганида ул жаноб унинг номини Заҳирадин Муҳаммад қўйган. Фарғона турклари тилида бу исм талаффузи қийин бўлаганидан, тифлга Бобур деб лақаб қўйдилар.

Фарғона мамлакатининг пойтахти Аҳси шаҳри Сайхун, яъни Сирдарёси ёққасида жойлашган. [Умар Шайх] шу дарёнинг ёққасидаги жарлик устида қурилган кўшкда, дарё мавж уриб, шиддат билан оқадиган вақтлари дам олиб истироҳат қилар эди. Тарих 899 йил, рамазони шарифнинг тўртинчиси, душанба куни⁵⁸³ тақдир тақозоси билан сув шу кўшк тагини қовлаб юборди ва кўшк жар билан бирга дарёга тушиб кетди. Ушбу хони фирдавс макон фано денгизиде фарқ бўлди. Шариф ёши 39 да, хонлик муддати 26 йилу икки ой эди. Ундан уч ўғил ва бешта қиз қолди. Ўғилларидан биринчиси Заҳирадин Муҳаммад Бобурхон, иккинчиси амирзода Жаҳонгир ва учинчиси амирзода Носир бўлган.

Ҳижрий 899 йили муборак рамазон ойининг бешинчиси, сешанба куни⁵⁸⁴ Фарғона мамлакати мусулмонларининг улуғлари маслаҳати билан Андижон шаҳрида Заҳирадин Муҳаммад Бобурхон ўн икки ёшида ҳукмронлик тахти устига қарор топди. Фарғона меросий мулкининг майдони унинг ҳиммат ва жасорат раҳми учун торлик қилгани боис бошқа мамлакатлар ва ўлкаларни босиб олиш ва забт этиш учун ўн бир йил давомида Мовароуннаҳр ва Туркистонда Чағатой, Шайбоний ва Темурий султонлари билан кўп жанглар ва оғир, хатарли урушлар олиб борди. Уч топқир амир Темур салтанатининг пойтахти бўлган Самарқандни фатҳ қилиб, замона носозлигидан, балки Худованд тақдиридан қайта қўлдан бой берди. Мамлакатлар тасхирида у шунча машаққат ва заҳмат чекканки, хонлардан кам киши бундай оғир юкни кўтара оларди.

Чун ҳазрати Подшоҳи безавол ўзининг чексиз инъомлар дастархонидан у учун бир луқма ва бир насиба ажратган экан, унга олий ҳиммат ва қаромат кўрсатиб, балки Илоҳий тақдирга бош эгмасдан ногузир ва мажбур Бадахшон ва Кобул сари юзланиб, жанг ва жадалсиз Бадахшонни олиб, рабиъ ал-аввал ойининг охирлари сана 910 йилида⁵⁸⁵ Кобулни ҳам эгаллади. (Бобур) 913 йили⁵⁸⁶ Қандаҳорни фатҳ қилди. Шу замонгача темурийзодаларни амирзода деб аталдилар, фармон бердики бундан кейин унга подшоҳ деб мурожаат қилсинлар. Шу йилнинг охирларида шаҳзода Ҳумоюн таваллуд топди. Ҳумоюн таваллуди таърихини бир фозил шундай деган. Таърих:

Соли мавлуди Ҳумоюн ҳаст,
«Зодакаллоҳ таоло қадро».
Бурдаам як «алиф» аз таърихаш,
То кашам мил ду чашми бадро.
[Ҳумоюннинг туғилган йили,
«Аллоҳ унинг қадрини зиёда қилсин»дир.
Тарихидан бир алифни олдим,
Токи ёмонлар кўзига мил тортай].

⁵⁸² Милодий 1483 14 февраль.

⁵⁸³ Милодий 1494 йил 9 июль.

⁵⁸⁴ Милодий 1494 йил 10 июль.

⁵⁸⁵ Милодий 1504 йили октябрнинг бошларида.

⁵⁸⁶ Милодий 1507-08 йиллари.

Ҳижрий 927 йили⁵⁸⁷ Бадахшон волийси Хон Мирзо шунқор бўлди. Муҳаммад Бобур подшоҳ ўн уч ёшли катта ўғли Ҳумоюнхонни бу ерларнинг тасарруфи ва ҳукуматига тайин қилди. Шаҳзода Ҳумоюн бу мулкка келиб, унга молик бўлди. Сана 930 йили⁵⁸⁸ Бобур подшоҳ Ҳиндистонни босиб олиш учун азимат байроғини кўтариб, Лоҳур, Дибалпур ва баъзи Ҳинд мулкларини фатҳ этди. Бу футухот тарихини бир шоир шундай бир мисрада келтирган: «Васати шаҳри рабиъ ул-аввал».

Бу ишлардан фориғ бўлгач Кобулга қайтиб келди ва 932 ҳижрий йили, сафар ойининг бошларида, жума куни⁵⁸⁹ Ҳиндистоннинг бошқа ерларини босиб олиш учун равона бўлди. Синд дарёсидан кечиб ўтиб, йўл давомида бир неча қалъа ва ноҳияларни қўлга киритиб, 932 йили, жумода ас-соний ойининг охирида, пайшанба куни⁵⁹⁰ Деҳли⁵⁹¹ шоҳи Султон Иброҳим билан Панипат кенглигида⁵⁹² жанг ва уруш воқе бўлди. Муҳораба ва мужодала муддати мазкур йил, ражаб ойининг еттинчиси, жума кунигача⁵⁹³ чўзилди. Бобур подшоҳнинг лашкари Султон Иброҳим лашкарининг ўндан бирига тенг эди. Бироқ, илоҳий мадади билан ғалаба ва нусрат Муҳаммад Бобур подшоҳ номига муҳрланиб, у кўп лашкар, маҳобатли филлари ва карру фарри билан «Асҳоби фил»⁵⁹⁴ дек тез фурсатда нобуд бўлди. [Султон Иброҳим] ўзи эса аксар амирлари билан мағлуб ва мақтул бўлди.

[Ҳиндистонда] Амир Темур фатҳидан 131 қамарий йил ўтиши билан бу ерда *афғония* ва бошқа тоифалардан подшоҳ бўлган эдилар. Муҳаммад Бобур подшоҳ бу ошкора ғалабасидан кейин мазкур ойнинг 12-чи куни⁵⁹⁵ Деҳлига кириб, Ҳиндистон салтанатига эга бўлди. Бир қанча хазина ва дафиналар унинг қўлига тушдики, ул замон ҳисобчилари санашида ожиз қолдилар. Ўша асрнинг бир фозили унинг Деҳли Султони Иброҳим устидан фатҳу зафар топганини шундай таърих билан берган:

Кушт дар Понипат Иброҳимро,
Шоҳи одил Бобур фотиҳ лақаб.
Рўзу моҳу соли вақти он зафар,
«Субҳ» буд ва «жумъаю ҳафти ражаб».
[Иброҳимни Понипатда ўлдирди,
Одил шоҳ, фотиҳ лақабли Бобур.
Бу зафарнинг куни, ойи ва йили,

«Субҳ»дир, жумадир ва еттинчи ражаб ойи].

Шу айёмда шаҳзода Ҳумоюн волиди бузругвори фармони билан Аграга бориб, у ернинг хазина ва дафиналарини қўлга олди. Бу ноҳияда Гвалиёр ҳокимлари авлодидан бўлмиш Бикраможит деган бир рожа саккиз мисқол келадиган бир дурахшон олмосни ул жанобга ҳадия тариқасида олиб келди. Ул замондаги жавҳаршуносларнинг энг пешқадами ҳам унинг қимматини белгилашда ожиз эканини эътироф этди.

Жумода ас-соний ойининг [ўн] тўққизинчиси, наврўз куни сана 933 йили⁵⁹⁶ Муҳаммад Бобур подшоҳ Аграга ташриф буюриб, унга қарши лашкар тортиб келган Мир Маҳмуд ибн Сикандаршоҳ ва Рожа Санга билан жанг қилиб зафар топди. Киромий кадр шоирлардан бўлмиш Шайх Зайниддин *садр* бу фатҳ таърихини «подшоҳи ислом», деб айтган.

Бу ернинг забти ва интизом ишларини саранжом қилиб [Бобур] Кобулга келди ва ҳижрий 934 йили⁵⁹⁷ Чандирий қалъасини фатҳ қилди. Бир шоир унинг таърихини «фатҳи дор ул-ҳарб», деб берган⁵⁹⁸. Ҳижрий 937 йили, олтинчи жумада ал-авал, сешанба куни⁵⁹⁹ Агра шаҳрида [Бобур] безгак касаллигидан Аллоҳ раҳматиға кўшилди. Унинг жасадини вақтинча Акбарободдаги Нурафшон боғида кўмдилар ва олти ойдан кейин Кобулга олиб бориб дафн қилдилар. Унинг рихлати тарихини Мавлоно Шаҳобиддин Муаммойи бир мисрада ҳам суварий ва ҳам маънавий бу тариқда берган, таърих: «937 тўққиз юзу ўттиз еттида бўлган».

⁵⁸⁷ Милодий 1520-21 йиллари.

⁵⁸⁸ Милодий 1523-24 йиллари.

⁵⁸⁹ Милодий 1525 йили 17 ноябрь.

⁵⁹⁰ Милодий 1525 йили 12 апрель.

⁵⁹¹ Деҳли – султонлик пойтахти бўлган.

⁵⁹² Матнда “майдонида”.

⁵⁹³ Милодий 1525 йили 19 апрель.

⁵⁹⁴ Қаранг: Қуръони карим, 105 сура.

⁵⁹⁵ Милодий 1525 йили 24 апрель.

⁵⁹⁶ Милодий 1527 йили 23 март.

⁵⁹⁷ Милодий 1527–1528 йили.

⁵⁹⁸ Бобур битган тарих. “Бобурнома”. – Б.308.

⁵⁹⁹ Милодий 1530 йил 26 декабрь.

Унинг салтанати даври тахтга ўтиришидан то вафотигача Андижон ва Ҳиндистонда ўттиз олти йилу етти ойу икки кун бўлган. 49 йилу тўрт ойу бир кун умр кўрган. Ундан тўртта саодат хислатли ўғил қолган. Биринчиси шахзода Ҳумоюн, иккинчиси шахзода Комрон, учинчиси шахзода Аскаррий ва тўртинчиси шахзода Ҳиндол. Ул фирдавс макон яхши фазилатлар, маъқул хислатлар билан ораста эди. Жумладан шеър илмидан анча баҳра олган бўлиб, табаррук деб унинг ашъоридан бир фард бу ерда ёзилди. Фард:

Боз ой эй ҳумой, ки бе тўтии хатат,
Наздик шуд, ки зоғ барад устухони ман⁶⁰⁰.
[Эй Ҳумо куши тез келгин, тўтидай хатларсиз,
Қарийб суягимни зоғ олиб кетган эди.]

Насираддин Муҳаммад Ҳумоюн подшоҳи ғозий ибн Заҳираддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг муборак мавлуди Кобул аркида, сешанба куни кечаси, зу-л-қаъда ойининг тўртинчиси сана 913 хижрий йилида⁶⁰¹ воқе бўлган. Онаси Моҳим бегим Хуросон аъёнларини бирининг қизи бўлиб, насаби шайх ул-ислом Аҳмади Жомга бориб тақалар эди. Падари бузругвори фоний жаҳондан хайрлашиб кетганида у Сунбалдан Аграга ташриф буюриб, 937 йили жумада ал-аввал ойининг тўқизинчи куни⁶⁰² Агра шаҳрида отасининг васияти ва қобилиятига мувофиқ, ҳасбу насабига яраша давлат тахтини маҳмуд вужуди билан зийнат берди. Отасидан қолганларни фирдавс макон падари даврида бўлгани каби ўзларининг муносиб вазифа ва мақомларида қолдириб, биродарлари ва яқинларига бирор-бир *жойгир*⁶⁰³ ёки бир вилоятни бахшида этиб, ўзининг фаровон инъомларидан барча хизматкорларни баҳраманд ва шодмон этди.

Шеър фанида моҳир бўлган бир шоир унинг тахтга чиқиши санасини бундай берган, таърих:

Муҳаммад Ҳумоюн шаҳи некбахт,
Ки хайр ал-мулук аст андар сулук.
Чу бар маснади подшоҳи нишаст,
Шудаш соли таърихаш «хайр ал-мулук».
[Муҳаммад Ҳумоюн шаҳи некбахт,
Сулукда подшоҳларнинг энг сарасидир.
Подшоҳлик тахтига ўтирганида,
Тарихи ҳам бўлди «хайр ал-мулук»(подшоҳларнинг энг сараси)].

Жулусидан олти ой ўтгандан кейин Коланжари шаҳрини босиб олиш учун ҳаракат қилди. У ернинг ҳокими итоат билан келиб, 12 ман тилло, тилло ва кумушдан бўлган турли ашё ва нарсаларни нафис матолар билан бирга тортуқ қилди. Айни шу сафарда кўп шаҳар ва ноҳиялар босиб олинди. Ҳижрий 940 йили⁶⁰⁴ мулк пойтахти бўлган Дехлига яқин жойда, Жавна (Ганга) дарёсининг ёққасида бир яхши шаҳар бино қилиб, унга Динпаноҳ деб ном берди. Таърихи ҳам «Шаҳри подшоҳи дин паноҳ» бўлган. Ҳижрий 942 йили⁶⁰⁵ Эроннинг сафавий шоҳи Таҳмоспнинг укаси Сом Мирзо Қандаҳор қалъасининг ҳокими Хўжа Каломбекни қалъасида қамал қилганида, шахзода Комрон Лоҳурдан Қандаҳорга келиб Сом Мирзони синдирди. Бир зариф шоир бу воқеани таърих риштасига мана бундай тортган «Зада подшоҳ Комрон Сомро» (Подшоҳ Комрон Сомни урди].

Шу йили Муҳаммад Замон Мирзо ибн Бадиъ аз-замон ибн Султон Ҳусайн Бойқароким, давлати шайбония султонларига ўтгандан бери бобурия даргоҳида паноҳ топиб, икром ва эҳсонлар кўриб яшар эди исён ва ёвузликка бош кўтариб, волий бўлиб турган вилоятида ўз номига сикка ва хутбани ошкоро қилиб, оқибат бир неча кунлик карру фаррдан қочиб Султон Баҳодир Гужаротийга кўшилди. Шунинг учун ҳам Ҳумоюн подшоҳ Ҳиндистондан Гужаротга лашкар тортди. Гужарот волийси чекиниб қочти ва Гужарот тамоман Ҳумоюн подшоҳ меросий мулки таркибига кирди. Султон Баҳодир Гужаротийнинг мағлуб бўлиши таърихини «зилли Баҳодир», деб берганлар. Бунга кўшимча Чонипар қалъаси ҳам қўлга киритилди. Шу иккинчи ғалаба тарихи ҳам биринчи тарихга ўхшайдур ва уни «аввали ҳафта моҳи сафар» («сафар ойи ҳафтанинг бошида»), деб ёзилмишлар.

⁶⁰⁰ “Бобурнома” да бу байт Ҳасан Яъқуббекка нисбат берилган. – Б.16.

⁶⁰¹ Милодий 1508 6 март.

⁶⁰² Милодий 1530 йил 26 декабрь.

⁶⁰³ Жойгир/ жо гир (жой олган) – Бобурийлар салтанати даврида Ҳиндистонда кенг тарқалган ер эгалиги шаклларида бири. Жойгир эгаси – жогирдор, жогирдан ундирилган давлат солиғининг бир қисмини олган. Бунинг эвазига муайян миқдорда қуролланган отлиқлар, артиллерия ва юк ташувчи ҳайвонлар саклаши ҳамда кўприк, суғориш иншоотлари қуриши ва уларни таъмир қилиб туриши лозим бўлган. Жойгир ерлари тез-тез алмаштириб турилган.

⁶⁰⁴ Милодий 1533–1534 йили.

⁶⁰⁵ Милодий 1535–1536 йили.

Султон Баҳодир Гужаротий бу ердан ҳам қочиб, Бандарвит (?) томонига бориб, фарангийлар қўлидан халок бўлди.

Андак вақтда Қандаҳордан то Биҳоргача бўлган ҳудудлар Ҳумоюн подшоҳ бошқарув қўлига ўтди. Бир неча муддат форигболлик билан кун кўриб салтанатининг ўнинчи йили, сафар ойи, ҳижрий 946 йили⁶⁰⁶ афгонларнинг сур қавмидан бобурия намахўрлари ва чокарларидан Фаридхон ибн Иброҳим, жуда бебок ва донг таратган киши сур қавмининг кутқуси билан фитна ва фасодга бош кўтарганида Бобурийлар душманлари ҳар тарафдан бош кўтариб унинг байроғи остида жам бўлдилар. Ҳумоюн подшоҳ унинг дафи учун лашкар тортиб, Ганга дарёсининг шохобларидан бўлган Солаб жўйи ёқасида, Биҳорнинг Суба музофотидаги Азимобод Арифида жанг воқеа бўлди. Ака уканинг ўзаро муҳолифатлари ва баъзи сипоҳ сардорларининг ўзаро нифоқлари сабаб бўлиб, Ҳумоюн подшоҳ томонига шикаст тегди. Ҳижрий 947 йили, ўнинчи муҳаррамда⁶⁰⁷ Қанучда яна икки лашкар рўпара келиб, яна қариндошлар ва баъзи амирларнинг иттифоқсизлигидан даҳшатли мағлубият рўй берди. Ҳумоюн Кобул тарафига кетди. Йўл асносида укаси Комрон, Аскарый Мирзо ва Ҳиндол Мирзо ҳамда лашкарнинг бир неча улўғлари бевафолик қилиб, хизматидан юз ўгириб Кобулга кетдилар. Сипоҳнинг бақияси ҳам тарқалиб кетди. Туриш жойи йўқлигидан баъзи яқинлари ва мулозимлари ҳамда бир кичик фавжи билан Хуросон сари лажомини бурди. Шаҳзода Комрон Мирзо акаси рикобидан жудо бўлиб Кобулга равона бўлди ва сикка хутбани ўз номига қилиб, Ғазнийни тобе ерлари билан шаҳзода Аскарыйга берди, Қандаҳорни барча тобеоти билан шаҳзода Ҳиндолга тухфа қилди. Бадахшонда ҳам хутба ва сиккани ўз номига қилиш учун Хўжа Хованд Маҳмудни шу матлаб учун элчи сифатида Бадахшон волийси Сулаймон Мирзо ибн Мирзо ибн Султон Маҳмуд ибн Султон Абу Саид хузурига юборди. Мирзо Сулаймон бу таклифни қабул қилмади. Шоҳ Комрон бундан ғазабланиб икки марта лашкар тортиб оқибат Бадахшонни босиб оди. Мирзо Сулаймон ва унинг ўғли Иброҳимни тутиб маҳбус қилди ва Қосим барлосни бу ерда ҳоким тайинлади. Абдуллоҳ Мирзони бир фавж сипоҳ билан бу ҳудуднинг муҳофазати учун қолдириб, дор ул-мулк бўлмиш Кобулга қайтди. Бу воқеа жума куни, 17-чи жумада ас-соний сана 938 йили⁶⁰⁸ бўлган.

Бир замон фалак шоҳ Комрон комида бўлиб, нишот ва комронлик эшикларини унга ланг очди. Ҳижрий 951 йили, рабиъ ас-соний ойида⁶⁰⁹ захмат ва саргардонликлардан сўнг Ҳумоюн подшоҳ Эрон тарафига шошди, Ҳиротга етиб келган куни Муҳаммадхон Мирзо унинг истқболига чиқиб, таъзим ва тақрим шартларини бажо келтириб, унинг йўлидаги ҳокимлар ва нозимлар Эрон шоҳи ҳукми билан хизмат ва ризожўйликда бир дақиқа ҳам фориг бўлмадилар. Эрон шоҳи Таҳмоспшоҳ Сафавий унинг келишини эъзоз ва икром билан кутиб олиб, қадршинос подшоҳдан меҳмондорчилик бобида нимаеки яхши хулқ ва мурувватдан бўлса бажарди. Ҳумоюн подшоҳ ҳам иззат ва эҳтиром билан ул дўстнавоз подшоҳга бир неча мамлакатнинг хирожига тенг келадиган катта олмосни икки юз эллик лаъл, латиф ақмишалар ва нафис матолар билан бирга пешкаш қилди. Истироҳат ва осойишталикдан кейин Ҳумоюн подшоҳ салтанатини тиклаш учун фарзанди ажуманди Шоҳ Мурод Мирзони катта ва кучли лашкар билан кўмак ва мадад учун тайин қилди. Ҳумоюн подшоҳ кўнглини кўтариб, хотирини жам этган ҳолда видолашди. Мисраъ:

Қадри зар заргар донад,
Қадри жавҳар жавҳарий.
[Зар қадрини заргар билур,
Гавҳар қадрини – гавҳаршунос.]

Ҳумоюн подшоҳ Эрон лашкари билан 952 йилнинг бошида⁶¹⁰ Қандаҳор сари равона бўлди. Олти ойгача Қандаҳорни қамал қилганида, Комроншоҳ тарафидан бу ерда волий бўлиб турган Мирзо Аскарый қаршилиқ кўрсатишда ожиз қолиб, Қандаҳор қалъасидан чиқиб таслим бўлди ва акаси Ҳумоюн подшоҳ мулоқотига мушарраф бўлди. Силайи раҳм талаби ва зотий раҳми билан унинг гуноҳларини афв қалами билан ўчирди. Ҳумоюн яловининг ойчаси Кобул сари ҳаракатга келди. Кобул йўлида подшоҳнинг амакиси Мирзо Носир ибн Умар Шайх Султон ва шаҳзода Ҳиндол бир фавж сипоҳ билан Комроншоҳдан юз ўгириб, [Ҳумоюн] подошоҳга келиб қўшилдилар. Комроншоҳ Ҳумоюн лашкари келиши хабарини эшитиб, Кобулдан шабгир қилиб Ғазнийга қочди.

⁶⁰⁶ Милодий 1539 йили 18 июнь – 17 июль.

⁶⁰⁷ Милодий 1540 йили 17 май.

⁶⁰⁸ Милодий 1532 йили 26 январь.

⁶⁰⁹ Милодий 1544 йили 22 июнь – 21 июль.

⁶¹⁰ Милодий 1545 йили 15 мартда бу йил кирган.

[Ҳумоюн] Кобулни эгаллаб аркка кирди ва саодатманд фарзанди шаҳзода Муҳаммад Акбарким, якшанба кечаси, бешинчи ражаб ойи сана 949 йили⁶¹¹ отаси йўқлигида оламга келган эди ва ёши уч йилу икки ойу беш кунга тўлган бўлиб, онаси билан шу ерда эди, дийдор кўришиб кўзини равшан қилди. Кобулнинг фатҳи ҳижрий 952 йили муборак рамазон ойининг ўнинчисида⁶¹² содир бўлди. Бу фатҳ тарихини бир донишманд мана шу мисрада берган. Таърих:

«Бу жанг гирифт мулки Кобул аз вай».

[«Кобул мулкини ундан жангсиз олди».]

Ҳижрий 953 йилининг бошида⁶¹³ Ҳумоюн подшоҳ Бадахшонни эгаллаш учун азм қилди. Комроншоҳ тутқунлигидан халос бўлган Сулаймоншоҳ бу вилоятни ўз тасарруфига [қайта] олган бўлиб, пешкаш ва ҳадиялар билан келиб, итоат қилди. Шу воқеалар асносида Комроншоҳ вақтни ғанимат деб билиб, Мирзо Шоҳ Ҳусайн мадади билан суръат билан келиб Кобулни қўлга киритди. Бу хабарни эшитгач Бадахшонни Мирзо Сулаймонга ва Қандаҳорни шаҳзода Ҳиндолга бериб, амакиси Мирзо Носирким, Мирзо Ёдгор номи билан аталган эди ва бўлиб ўтган исён ва қабиҳликларнинг бошлиғи эди, бошини танасидан жудо қилиб, жазо берди. Кобулга келиб Комроншоҳ билан жанг қилиб, еттинчи рабиъ ал-аввал ойи сана 954 йили⁶¹⁴ яна Кобулни фатҳ қилди. Комроншоҳ қочиш водийсига бош олиб кетди. Шундан кейин Комроншоҳ ва шаҳзода Аскарый бир неча марта акалари билан жанглар қилиб, мағлуб бўлдилар. Ҳижрий 958 йили *афгон* тоифаларидан *маҳмандий* ва *халилий* қабилалари ғалаён ва кўзғолон кўтариб, Комроншоҳ билан бирлашиб, Ҳумоюн подшоҳ ўз аскаргоҳига айлантирган Хайбар мавзеига, зу-л-қаъда ойининг охиригача куни шабихун қилиб ҳужум қилдилар. Шу кеча қаттиқ муҳораба бўлди. Оқибат нусрат ва ғалаба Ҳумоюн подшоҳга насибу рўзи бўлди, шаҳзода Ҳиндол шахидлик топиб, шаҳзода Аскарый бир неча душманлар билан бирга асирга тушди. Икки тараф сипоҳдан жуда кўп киши ҳалок, мажруҳ ва майиб бўлиб ётди. Қолган афгонлар қочишга азм қилдилар. Комроншоҳ номурод ва тормор бўлган ҳолда Султон Одам Қаҳқаҳар олдига борганда уни тутиб олиб, бандий сифатида Ҳумоюн подшоҳ саройига юборди. Бир неча марта ва карратлар уни текшириб, иноқлик ва ислоҳ энди ниҳоясига етгани боис «ким тажрибадан сабоқ олмаса, унинг натижаси надоматдир», деган мақолнинг мазмунича яна уни синашни ақл ва андишадан узоқ деб билиб, уни кўр қилиб, ҳаж сафарига юбордилар.

Ҳижрий 964 йили, ўн биринчи зу-л-ҳижжада⁶¹⁵ [Комрон] Маккайи мукаррамада жаннат сари хиром айлади. Вафоти таърихини «Шоҳ маҳрум дар Макка монд» («Шоҳ Маккада маҳрум қолди»), деб берганлар. Мирзо Комрондан бир ўғил қолган эди. Оти Абулқосим Мирзо. Акбар подшоҳ даврида сана 974 йили⁶¹⁶ ёшлигида қатл этилди. «Намонд аз Комрон ному нишоне» («Комрондан ному нишон қолмади») мисраида таърихини берганлар.

Шаҳзода Аскарый Мирзо бир хийла билан ҳибсдан халос бўлиб, Балхга қочди. У ердан байтуллоҳ сафарини истаб, муборак Шом ва байтуллоҳ орасидаги йўлда дору-с-саломга рихлат қилди. Ундан бир қиз қолган эди. Уни Ҳумоюн подшоҳ катта ўғли шаҳзода Жалоладдин Акбарнинг хотинлик риштасига тортган эди.

Ҳумоюн подшоҳ қариндошлари ва бегоналарнинг ташвишларидан қутулиб, хотиржамлик унга муяссар бўлди. Ўн беш йил бўлар эдики Ҳиндистон мамлакати қўлдан кетиб, у ерда *афгония* қавмларидан беш киши, яъни Шершоҳ, унинг ўғли Салимшоҳ, Султон Муҳаммад Адлий, Султон Иброҳим ва Сикандаршоҳ Дехли тахтига ўтирган эдилар. Ҳижрий 961 йили, зу-л-ҳижжа ойининг ўрталарида⁶¹⁷ Ҳумоюн Ҳиндистон тасхири учун отланди. Рақтиёс ва Нилоб дарёси ҳудудида бўлган *афгон* қавмлари Ҳумоюннинг лашкар тортиши овозасини эшитишлари билан ваҳм ва ҳадиксираган ҳолда пароканда бўлдилар. Ҳумоюн подшоҳ Аллоҳнинг чексиз иноятидан қаршиликсиз Лохурга кириб борди. Бу ерда хутба ва сикка унинг номи билан зийнат топди. Ҳар тарафга фавжларини жўнатиб Сирҳинд ва Дебалпурни ҳам қўлга олди. Сикандаршоҳ кетма-кет подшоҳ жангига лашкарларни юбориб, бироқ пайдарпай мағлуб бўларди. Охири саксон минг пиёда ва суворийлари билан Сирҳинд майдонида қаттиқ уруш қилди. Иккала лашкар бир бирига қарши қирқ кун туриб, муҳораба ва мужодала қилишди. Иккинчи шаъбон сана 962 йили⁶¹⁸ Сикандар лашкарига шикаст етди ва у чекиниб Саволак тарафига қочди. Шу буюк ғалабадан сўнг рамазони шарифнинг бошида, сана

⁶¹¹ Милодий 1542 йили 15 октябрь.

⁶¹² Милодий 1545 йил 15 ноябрь.

⁶¹³ Милодий 1546 йил 3 март.

⁶¹⁴ Милодий 1547 йил 27 апрель.

⁶¹⁵ Милодий 1557 йили 4 октябрь.

⁶¹⁶ Милодий 1566–1567 йили.

⁶¹⁷ Милодий 1554 йили ноябрьнинг ўрталарида.

⁶¹⁸ Милодий 1552 йили 22 июнь.

962 йили⁶¹⁹ давлат ва иқбол билан Дехли шаҳрига кириб чиройли кўним топди. Динор⁶²⁰ нинг юзи, минбарларнинг боши яна бир марта унинг номи билан оройиш ва зебу зийнат топди. Бу фатҳнинг таъриhini давр фозилларидан бири бундай ёзган. Таърих:

Муншии хирад толеи маймун талабид,
Иншои суҳан зи табъи мавзун талабид,
Таҳрир чу қард фатҳи Ҳиндустонро,
Таърих зи «шамшери Ҳумоюн» талабид.
[Ақл муншийси бахтли толе тилади,
Сўз иншосин мавзун табъдан тилади.
Ҳиндистон босиб олиниси ҳақида сўраганда,
Тарихини «Ҳумоюн шамшири»дан тилади].

Бу фатҳдан етти ой ўтгач, подшоҳ ўз кутубхонасининг янги иморати устига чиқиб, ён-атрофни тамоша қилиб турганида шом намози вақти бўлгач томдан пастга тушмоқчи бўлди. Иккинчи зинага оёғини қўйиб-қўймас муаззин намозга азон айта бошлади. Азон ҳурмати учун тўхтаб, ўтирмоқчи эдики, оёқи кийимларига урмалашиб қолди, ҳассаси ҳам сирпаниб кетди ва ул жаноб томдан ерга тушди. Шу фожиадан кейин ўн биринчи рабиъ ал-аввал сана 963 йили⁶²¹ мангу манзил сари юзланди. Дехли шаҳрида Чаман (Ганга) дарёсининг ёқасидаги Султон Муиззаддин Кайқубод иморатида дафн қилинди. Келажакда Ҳумоюнхони жаннат ошиённинг завжаси Ҳожи бегим саъй ва ҳаракати билан бу ерда яна олий иморатлар ва дахма бино қилинди. Унинг вафотини бир оқил шундай ёзган: «Дар фироғи вориси мулк Жалолиддин бод» («Мулк вориси Жалолиддин фироғида бўлсин»).

Унинг ҳукумати фақат Кобулда ўн йил, биринчи марта подшоҳлиги муддати тўққиз йилу саккиз ой, иккинчи марта эса Ҳиндистон фатҳидан кейин вафотигача етти ой. 49 йил тўрт ой саккиз кун умр кўрган. Ундан икки нафар аржуманд ўғил: Жалолиддин Акбаршоҳ ва шаҳзода Муҳаммадҳаким ва бир қиз Нажибнисо бегим қолган.

Жалолиддин Акбар подшоҳ ибн Насираддин Ҳумоюн подшоҳ Ҳамидабону бегим, Маряммакон лақабли онасиданким, Аҳмади Жом наслдан эди, якшанба кечаси, бешинчи ражаб куни сана 949 йили⁶²² оламга келган. Унинг таваллуди таърихи шудир:

Зи баҳри валодати шаҳаншоҳи жаҳон,
Таърих «шаҳаншаҳ Жаҳонгир» навишт.
[Жаҳон шаҳаншоҳи валодати учун,
Таръириhini «шаҳаншаҳ Жаҳонгир» ёзди].

Ҳумоюн султони жаннат ошиён вафот этган чоғида Жалолиддин Акбар подшоҳ отаси топшириғига биноан Сикандаршоҳи *афгон* дафи билан машғул эди. Падари бузругворининг фожиавий ўлиmidан сўнг Лоҳур музофотларидан бири бўлмиш Калонур мавзеида, жума куни, иккинчи рабиъ ус-соний, сана 963 да⁶²³, ўн тўрт ёшида салтанат тахтига ўтирди. Унинг тахтга ўтришини бир фозил киши бундай назмда битган. Таърих:

Аз сиккаи шаҳ чу рўйи зар анвар шуд,
Ва зи хутбаи ў тараффаъ минбар шуд.
Биншаст ба тахти салтанат Акбаршоҳ,
Таърихи жулус «нусрати акбар» шуд.
[Шаҳ номидан зар юзи нурли бўлди,
Хутбада унинг номидан минбар яна баланд бўлди.
Акбаршоҳ салтанат тахтига ўтирдию,
Тарихи ҳам «нусрати акбар» («улуғ ғалаба») бўлди].

Жулусининг бошларида Сикандаршоҳ афгонким, қочиб Саволак тоғларида яширинган эди қалин лашкар йиғиб, қўзғалон кўтарди. Акбаршоҳ лашкари унга қарши бориб уни мағлуб қилдилар. Сикандаршоҳким фарзин сингари эгри-бугри юриш қилар эди, фил кучидан пиёда бўлиб, ажал шоҳининг мотида ғарқ бўлмаслиги учун рух(юзи)ни фирор йўлига солди. Кейинги йил бошида Ҳаму (Ҳему) Баққол салтанатга даъво қилиб, фаровон сипоҳ йиғиб, Дехлига келди ва унинг ҳокими Турдибекким, Акбаршоҳ даргоҳи сардорларидан бири эди жанг қилиб уни синдирди (мағлуб этди). Подшоҳ Алиқулихон шайбонийни кучли лашкар билан унинг дафи учун номзад қилиб, ўзи ҳам

⁶¹⁹ Милодий 1552 йили 20 июль.

⁶²⁰ Динор – тила танга.

⁶²¹ Милодий 1556 йили 25 январь.

⁶²² Милодий 1542 йил 15 октябрь.

⁶²³ Милодий 1556 йили 15 февраль.

лашкарини ораста қилиб шу тарафга юриш бошлади. Пайшанба куни, иккинчи муҳаррам, сана 964 да⁶²⁴ Понипат ҳудудида Алиқулихон Ҳаму Баққол лашкари билан учрашди. Жанг бошланишида Ҳаму Баққол кўзига ўқ тегиб, беҳуш йиқилди. Бу ғолатни кўриб лашкарида ваҳима тушиб, қочиш йўлини танладилар. Хони хонон Байрамхон Ҳаму Баққолни тутиб олиб, подшоҳ ҳузурига олиб келди. Ҳукми олий билан қатлга етказдилар. Подшоҳ бу ердан Дехлига келиб, Ҳаму Баққолнинг узок вақтлар давомида йиғган хазина ва дафиналари, қолдириган барча молу бойлигини эгаллаб олди.

Акбар подшоҳнинг вазири кабири Байрамхон, мавсуф ба Хони хонон подшоҳни кичик ёшда деб билиб, мамлакатнинг барча куллиёти ва жузиёти, мулкнинг молия ва сиёсий ишларида хоҳлаганини қилар, подшоҳнинг розилигисиз ҳукм ва идорани қўлга олган эди. Акбаршоҳ ҳукумати шунча чеклаб қўйган эдики, кундан-кунга унинг қайсарлиги ва итоатсизлиги зиёда бўлур эди. Подшоҳнинг садоқатли меросий мулозимларидан бўлган Турдибекни Ҳаму Баққол жангида таъхир ва тақсир (гуноҳ) қилиш тухмати билан, тафтиш ва таҳқиқ қилмасдан, гуноҳсиз ва подшоҳ розилигисиз қатл қилди. Шу билан бирга Акбаршоҳга яқин бўлган давлатхоҳларни бир-бир ишдан олиб, подшоҳдан узоклаштриб, ўринларига қариндош ва дўстларини тайинланар эди.

Акбар подшоҳ бу ҳолатни кўриб билдики, бундан ортиқ чидаб кечикса, ихтиёр ва иқтидорнинг лажоми батамом қўлдан кетади. Ақл ва хирад тақозоси ва эҳтиёткорлик юзасидан хонлар ва улуғ амирларнинг сараси бўлмиш Шамсиддин Муҳаммадхон Ғазнавий, Хони аъзам номи билан донг таратганниким, Ҳумоюн подшоҳни Шершоҳ *афғон* билан Жавсо қасабасида бўлган жангларда маъқул хизматлар бажо келтирган эди, чун Ҳумоюн подшоҳ сипоҳига шикаст етканда шоҳ жанг майдонидан юз ўгириб, душмани ортидан таъқиб қилиб келаётганда ва подшоҳ душманларидан қутулиш учун ўзини Ганга дарёсига ташлаб кечиб ўтаман деганида, қурол ва аслаҳ ғамда либосларининг оғирлигидан қарийб ғарқ бўламан деганда мана шу Шамсиддин Муҳаммад Хони аъзамнинг дастёрлиги ва садоқати билан бало тўфонидан қутулиб, нажот соҳилига етган эди. Хуросон ва Эрон сафарига, саргардонлик ва паришонлик ҳолларда у ўз валинеъматининг узангисида бўлиб Ҳумоюн подшоҳдан ҳеч айрмаган эди. Иккинчи марта тахтга қарор топиб, мустақил ҳукм суриши пайтида Ҳумоюн подшоҳ унинг шойиста хизматлари эвазига уруғ-қариндошлари ва яқинлари билан бирга яхши мансаблар билан мумтоз бўлди. Ҳумоюн подшоҳ жаннат ошиён вафотидан кейин, давлат навбати Акбаршоҳга етганида ундан янада фавқуллода жонбозлик ва садоқат зоҳир бўлиб, ҳамма жойга тарқалди. Акбаршоҳ унга Панжобни жойгир мулки сифатида бериб, «Хони аъзам» лақаби билан азиз тутди. Яна Адҳамхонким, кўкалдош, яъни Акбаршоҳнинг ризоий акаси эди, Мунъимхонким, баъзи фавжларнинг амири лашкари эди шоҳлик саройига чақирилди. Васфлари ўтган бу улуғ амирларни бир хилват жойда ўз қалбидаги сир ва асрори билан маҳрам қилиб, Хони хонон Байрамхонни ҳукмронликдан даф қилиш учун машварат шарафи билан мушараф қилди. Барча фикр ва мулоҳазалар уни амалидан олиш учун бўлди. Ҳижрий 968 йили Байрамхон Хони хонон вазирликдан олинди. Байрамхон подшоҳ ҳузуридан қочиб, намакҳаромлик қилиб куфрони неъматга қадам босди. Лашкар йиғиб бир неча марта подшоҳ билан жангу жадал қилди. Мағлуб бўлиб, охири ҳаммадан маъюс ва маҳрум бўлиб, улуғ олимлар шафоатлари билан мукаррам ва муҳаррам бўлмиш икки шаҳар тавофи учун ижозат олди. У йўлга чиқиб Гужарот ҳудудига келганида, Муборакхон афғонким, унинг отаси Можбухвора урушида Байрамхон амри билан қатл этилган эди, отаси интиқомини олиш учун Байрамхондан қасос олди. Фард:

Ҳар ки зи гулзори вафо рў битофт,
Хори жафо синайи ўро бишикофт.
[Ким вафо гулзоридан юз ўгирса,
Унинг кўксини жафо тикони тешар].

Акбаршоҳ Байрамхон ва унинг орқадошлари шаридан фароғат топиб, барча олий ҳимматини раият ва сипоҳнинг аҳволи ва шароитларини яхшилаш учун сарфлади. Мамлакат ва мулкнинг ободонлиги, осойишталиги, тижорат ва зироатким, мулку миллатнинг сарвари ва бойлиги бўлиб, ҳукумат ва давлатнинг манфаати ҳам шундадир кўпдан-кўп уларнинг ривож ва тараққиёти учун ҳаракат қилди. Ул ҳазрат асос ва бино солган яхши қонун ва қоидаларнинг баёни ва тафсилотини берсак, анча узун бўлиб қолади. Бу мухтасарда биттаси билан кифояланди.

Унинг адолати осоридан бири шудир. Бир куни ул ҳазрат ўз одати бўйича кийим ва қиёфасини ўзгартириб, кўшки олийдан бир неча яқинлари билан бирга ўзи шахсан сипоҳ ва раият ҳолидан хабар олиш ва тафтиш қилиш учун шаҳарга чиқиб юради. Тўсатдан унинг қулоғига бировнинг ҳазин ноласи чалинди. Бу нофорам овоз чиқиб келаётган хона эшигигача келиб, бир мулозимини текшириш учун ичкарига юборади. Мулозим бориб текшириб арз қилдики, бу ердаги бир қулнинг хожаси уни

⁶²⁴ Милодий 1556 йили 5 ноябрь.

шароб келтириш учун юборган экан. Ғулом олиб келинган ичимлик хожа табъига хуш келмагани боис қулини тутиб, қўл оёғини боғлаб, расо калтаклашиб бош-аёқ қонга ботибди. Подшоҳ бу ҳолни кўриб кўзларидан ёш оқади. Қулнинг эгасига танбих бериб, ғуломни сотиб олиб озод қилиб, табиблар олдига юборади. Ўз манзилига келиб, эртаси тонгдан фармон ва маншур атроф ва жавонибга юбориб, ўз мулкида каниз ва қул савдосини буткул тўхтатиб манъ қилади.

Ҳижрий 972 йили⁶²⁵ Акбаршоҳ хонадонида экизак фарзандлар оламга келди, бир ой ўтмасдан бурун улар ўлишди. Қосим Арслон «ду гавҳари шоҳвор» («иккита катта шоҳона гавҳар»), деб тарихини топган эди.

Ҳижрий 974 йилнинг бошида⁶²⁶ Алиқулихон ва Баҳодирхон, Ҳайдар Султон ўзбекнинг ўғиллариким, оталари Муҳаммад Бобуршоҳ салтанати даврида мовароуннаҳрлик султонларидан юз ўгириб, Бобуршоҳ давлатхонасидан панаҳ топиб, ҳурмат ва тарбият кўрган эди, оталари вафотидан сўнг ўғиллари ҳам бобурия хонадони давлатхонасида тарбият ва парвариш топиб, айниқса Акбаршоҳ шарқий вилоят ва Жунпурни жойгир тариқасида баҳра олинсин, деб уларга муқаррар қилиб берди ва «Хони замон» номи билан атади. Охир шунча эҳсон ва инъом эвазига намақҳаромлик ва исёнга қадам босиб, ўлкада фасод ва фитна кўтариб, Кобул волийси шаҳзода Муҳаммадҳақимгаким, бир тажрибасиз ва ғўр йигит эди расул ва рисоалар юбориб, унинг назарида давлат арусини бир неча зеб ва зийнатлар билан жилвагар қилиб, васваса ва афсун билан уни авраб, ўз акасига қарши тарғиб ва ташвиқ қилдилар. Тўғри иттифоқ ва иноқлик йўликим, ҳар бир соҳиб давлат давлатининг ривожи ва кўпайишига сабабдир, бу муфсидларнинг иғво ва зилолати натижасида низо ва жанжал билан якун топди. Ҳижрий 974 йили, жумада ас-соний ойида⁶²⁷ у (шаҳзода Муҳаммадҳақим) Кобулдан Ҳиндистонни эгаллаш учун лашкар тортиб келди. Алиқулихон ва Баҳодирхон ҳам ўз сипоҳлари билан тез ҳаракатга тушиб, шаҳзода Ҳақимга кўшилиб, бир уюшма бўлиб Акбаршоҳ билан жанг қилмоқчи эдилар. Бироқ Акбар подшоҳ бу мулоҳазани фаҳмлаб, Хони хонон Мунъимхонни Акбарободга нойиб ва кўриқлаш учун қолдириб, қалин лашкар билан шошилинич йўсинда илғор қилиб, шаҳзода Муҳаммадҳақим йўлини тўсди. Шу билан иккита душмани ўртасида тўғаноқ бўлиб турди. Шаҳзода Муҳаммад Муқим Лоҳургача етиб келган эди ва ўзида қаршилиқ қилиш учун тобу тоқат топмай, муродига эришмасдан Кобулга қайтди. Подшоҳ бу ердан Шералиқулихон ва Баҳодирхон дафлари учун лажом тортиб, Монгпур ҳудудида Ганг дарёсидан ўтиб, Дипок музофотидаги Сангардил қишлоғининг ҳудудида Алиқулихон ва Баҳодирхонлар билан учрашди. Бир неча кунлик талаш ва савашлардан кейин, душанба куни зу-л-ҳижанинг биринчи кунида, ҳижрий 974 йили⁶²⁸ Алиқулихон ва Баҳодирхон аксар лашкарлари билан жангда ҳалок бўлишди. Бу воқеанинг тарихини бир шоир «фатҳи акбар муборак» деган иборада келтирибди. Акбар подшоҳ шу ғалабага эришган мавзеда ёдгорлик қолиши учун бир шаҳр барпо қилиб, номини Фатҳпур қўйди.

Ҳижрий 975 йили⁶²⁹ Чатур қалъасини эгаллаш учун у лашкар тортиб, қалъа девори остида нақблар ковлаб борут қуйиб, портлатганларида қалъа деворлари ва буржларида бўлган сипоҳ осмонга учиб кетиб, тарқалиб кетишди. Бир неча кундан кейин қалъа босиб олинди, рожипут қавмидан қалъада бўлган қарийб ўттиз минг киши қириб ташланди. Мирзо Асирий бу фатҳ таърихини шундай топган:

Чу гулгуна андешаи подшоҳ,
Сўйи азми Чатур бикарданд зин.
Ба андак замон фатҳи он қалъа кард,
Ки бодо жаҳонаш ба зери нигин.
Чу таърих пурсидам аз ақл гуфт,
«Надорад касе ёд фатҳе чунин».
[Подшоҳнинг ғазаб андишаси,
Чатур сари бориш учун отланганида,
Андак замонда уни фатҳ қилди,
Жаҳон унинг узуги остида бўлсин.
Бунинг тарихини сўраганимда ақл,
«Ҳеч ким бундай ғалабадан хабари йўқ», деди].

⁶²⁵ Милодий 1564-65 йили.

⁶²⁶ Милодий 1566 йили 19 июль.

⁶²⁷ Милодий 1566 йили 14 декабрь–1567 12 январь.

⁶²⁸ Милодий 1567 йили 9 июль.

⁶²⁹ Милодий 1567 йили.

Рожа Рой Рантханпур Саржин ҳам шу вақтда ўз қалъасининг метинлиги ва мустаҳкамлигига таяниб, исён ва кўзғалон кўтариб, подшоҳ итоатидан бош тортган эди. Бинобарин, Муҳаммад Акбаршоҳ уни ўз итоатига киргизиш учун равона бўлди ва бир ойлик қамалдан сўнг ҳижрий 976 йили, учинчи шавволда⁶³⁰ қалъани эгаллади. Султон Алоуддин Халжайи бир йил деганда фатҳ қилган қалъани Акбаршоҳ бир ойда олди. Мавлони Шерий унинг таъриhini бундай берган. Таърих:

Қалъаи куфр чун аз давлати шаҳ ёфт шикаст,
«Шаҳи куффоршикан» ёфта Шерий солаш.
[Куфр қалъаси шоҳ давлатидан синганида,
«Шаҳи куффоршикан» деб, Шерий тарихини топди].

Шу йили Рони Дарговати Каркатилнинг ҳокимиким, мулки Рантханпур, Молва, Бихор ва Дакан орасида жойлашган эди ва дойим тужжор йўлини тўсиб, тижоратга ҳам тўсқинлик қилар эдики, унга қарши олий фармонга мувофиқ Абдулмажидхон Осафий юборилди. У бориб ўшал ноҳияда қаттиқ уруш қилди. Рони Дарговати иккита захм олиб, қўлга тушишини билиб ханжар билан ўзини ўлдирди. Жангдан кейин унинг ўғлини очик қатл қилдилар. Чавокда қалъаси фатҳ бўлди. Роний ва ўғлининг хотинлари Жавҳар қамали вақтида бир чордевор ичини чўп ва хас-хашак билан тўлдириб, уни ёқиб ўзларини оловга ташлаб ёниб кетдилар. Аллоҳ қудрати ажойиботларидан бири шуки, қалъа фатҳидан тўрт кун кейин ўша бино ичидан икки аёлни тирик кўрдилар. Бири Роний Каловатининг синглиси Камиловати ва иккинчиси рожа Биркатҳанинг қизи. Уни Рони Каловатига хотинликка олиб келган эканлар, аммо унга ҳали қўл текизмаган экан. Ораларида тушган бир катта тўсин буларни оловдан сақлаган экан. Осафхон қайтиш чоғида бу иккала аёлни ўзи билан подшоҳ ҳузурига олиб келди.

Мулк салоҳияти ва сиёсати учун Акбаршоҳ Агра қалъасини янгитдан бино қилишга аҳд қилди. Агра дору-с-салтанати Ҳиндистоннинг муҳим нуқтаси ва маркази ҳисобида бўлиб, унинг эски қалъаси Ганганинг соҳилида Кобулнинг шарқида жойлашган бўлиб, замона зайли ва дунё ҳодисоти, нойибларининг келиб-кетиш натижасида анча хароб ва вайрон бўлган эди. Ҳумоюн фармони билан қалъанинг қолган қисми ҳам бузилиб, янги қалъа асосини ердан бошлаб тош билан кўтариб, маҳобатли ва мустаҳкам қилиб қурила бошлади. Унинг арзи 30 газ ва баландлиги олтмиш газга етиб, тўртта дарвозаси бўлиши лозим эди. Замона муҳандиси фармонига биноан Мир Қосимхон бу улкан ишга маслаҳатчи ва бошлиқ бўлди. Ҳар куни минг кишидан тезкор қурувчию меъмор, кучли билакли мардикору ишчи шу қурилишда жидду жаҳд билан банд бўлдилар. Тўрт йил муддатда унинг сурати истехкомга ўхшаб зеб олди, унинг маскан ва манзиллари ул қалъа ичида метин ва мустаҳкам бир мустаҳкам ўралган кўрғон тариқасида саккизинчи йил дегандагина ихтитом топди. Тарих китобларда ёзилганки, неъмат бахш этувчи ва инъому атолар берувчи ўз банбаси Акбар подшоҳни лутф ва карам билан кўп фарзанд берган бўлса ҳам, бироқ, улар аксарияти туфулият чоғида йўқлик бешигида ётиб қолардилар. Шу жиҳатдан Акбаршоҳнинг хоотири хаста ва дили шикаста бўлиб, етим ва есирлар, мискин ва узлатда ўтиргна зоҳидларга эҳсон ва назру ниёз қилиб, ажзу ниёз билан бениёз Подшоҳ даргоҳидан бир саодатманд фарзанд тилар эди. Худопарастлик йўлининг пешвоси бўлмиш ҳазрати шайх Салим Чиштийкаким, тоғга туташ Сикрий мавзеида, Фатҳпур деган хонақоҳда⁶³¹ манзил тутган эди Акбар подшоҳ катта эътиқод ва ихлос қўйган эди. Илоҳий атоё ва марҳаматидан, чоршанба куни, 17-чи ...ойи, сана 977 йили⁶³² баданнинг ниҳонхонасидан бир садафдек мулк ва давлат вориси салтанат дуржида қадам босди. Бу улуғ хушхабар Акбар подшоҳ қулоғига етиб боргани билан, саждаи шукр бажо келтириб, шукронасига мамлакатадаги барча асирлар ва маҳбусларни озод қилишни буюрди. Фарзанди аржуманди номини шайх шарафига Султон Салим деб ном қўйди.

Ҳамчунин ҳижрий 978 йили, пайшанба кечаси, учинчи муҳаррамда⁶³³ Шайх билан қўшни маҳалдага Фатҳпурда жаҳонбонликнинг иккинчи кўз қарочиғи оламга келди ва олам-олам хурсандчиликларнинг сабабига айланди. Умумий тантана ва тўйлар барпо этиб, шукронасига турли неъматлар, нақдина ва қалин молларни мустаҳиқлар ва муҳтожларга улашдилар. Муҳаббат самараси бўлган бу боланинг исмини Султон Мурод қўйишди. Нуқтасанж сухандонлар бу икки гавахари нодирнинг таваллудлари шарафига яхши шеърлар ва марғуб назмлар битиб, эҳсон ва инъомларга сазовор бўлган эдилар. Шулардан битта таърих кифоят қилди. Таърих:

Дод ду шахзода ба шоҳ ин сипехр,
Чехрайи он ҳар ду бех аз офтоб.
Аввал аз ў сони шоҳи жаҳон,
Сони аз ў дилбари олижаноб.

⁶³⁰ Милодий 1569 йили 21 март.

⁶³¹ Матнда “савмаъа”.

⁶³² Ҳижрий 977 йили – милодий 1569 йил. Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир ибн Акбаршоҳ 1037/1628 йили вафот этган.

⁶³³ Милодий 1570 йили 5 июль.

Он яке аз юмн ба шоҳи сарир,
Мужда расон буд ба сад фатҳ боб.
Он дигар боиси амну амон,
Меҳр зи маҳ дода ба ў маҳди хоб.
Муждағаҳи мавлуди шаҳ аввал аст,
Гуфта аз ў мисраъи аввал жавоб.
Аз дувумин мисраъи абёт ҳам,
Мавлуди шаҳзодаи соний биёб.
Бод мудом он шаҳу шаҳзодаро,
Жоҳ Сикандар, фар(р) Афросиёб.
[Бу олам шоҳга иккита шаҳзода берди,
Уларнинг чехралари қуёшдан ҳам гўзал.
Улардан бири шоҳи жаҳондир,
Иккинчиси олижаноб дилбари.
Улардан бири тахт эгасига,
Юзлаб ғалабалар хушхабарини берди.
Иккинчиси амну омонликка сабаб,
Қуёшу ой унга берди осойишталик.
Биринчи шаҳзода таваллуди йилини,
Иккинчи мисра хушхабардек беради.
Иккинчи мисрадаги байтлардан,
Сен иккинчи шаҳзода таваллуд йилини топ.
Бу иккала шаҳзоданинг мақоми,
Искандардек бўлсин, дабдабаси эса Афросиёбдек].

Биринчи мисралардан биринчи шаҳзодани, иккинчи мисралардан эса иккинчи шаҳзоданинг таваллуд топган йиллари чиқади.

Сикрий мавзеида шу иккала шаҳзоданинг бахтли таваллудлари воқе бўлганидан, ваҳший ва йиртқичлар макони бўлган бу тоғларда олий иморатлар бино қилиб, яхши уй-жойлар ва хушхаво манзиллар бино қилиндики, Фатҳпур номи билан машҳур бўлди.

Бундан олдин Мирзо Иброҳим Ҳусайн ва Мирзо Муҳаммад Ҳусайнларким, Мирзо Султон Муҳаммаднинг ўғиллари исён отига миниб Гужарот вилоятини эгаллаб олган эдилар. Ҳижрий 980 йили⁶³⁴ бу мулкнинг тасхири ва уларга жазо бериш учун черик тортилди. Андак фурсатда бу ҳудуд давлат авлиёларининг тасхир ва тасарруф қўллари билан босиб олинди, исёнчилар қочиб Шўр сув дарёси лабида жойлашган Сураат қалъасига бориб яшириндилар. Сураат вилояти, Бабруж, Баруда, Жонпонир хануз уларнинг қўлларида эди. Гужарот фатҳидан кейин бу томонга лашкар тортиб, икки ойлик қамалдан кейин, 23 шаввол 980 йили⁶³⁵ Сураат қалъаси фатҳ қилинди. Сураат қалъаси забтининг таърихи:

Фатҳ шуд, ки ажаб қалъае, ки зафт,
Инҳо зи давлати шаҳи олам баид нест.
[Жуда ҳам метин бир қалъа фатҳ бўлди,
Бу эса шоҳи олам давлатидан йироқ эмас].

Бу ҳудуднинг забти ва тартибга келтиришдан кейин дору-с-салтанатга соғ-амон ва ғаниматлар билан қайтиб келганда, ҳижрий 982 йили⁶³⁶ Акбар подшоҳнинг муборак қулоғига Довуд Сулаймон Кароний ўғлинининг акаси Боязид ўлдирилишидан сўнг Бангола вилоятида ҳукматни қўлга олиши, Алиқулихон асос солган ва меросий мамлакат ҳудудида бўлган Замония шаҳрини боскин-чопқин қилгани, Рахтос қалъасининг зобити ва кутволи Лудийхонни ҳалок этгани хабари етиб борди. Бинобарин Довуд ибн Сулаймон Каронийга жазо бериш учун подшоҳ катта сипоҳ билан Акбарободдан кемага миниб, Банорасга келди. Шу куни жафр илмига маҳорти бўлган Мирак Исфаҳоний, ҳумоюни амрига биноан подшоҳона мажлисда, шавкатмадорли сарой аъёнлари ҳузурида «Жафри жомий» китобидан фол очиб, ҳарфлар таркибидан бу байтни ҳосил қилди. Байт:

Ба зуди Акбар зи бахти ҳумоюн,
Барад мулк аз кафи Довуд берун.
[Ҳумоюн бахти билан Акбар тезда,

⁶³⁴ Милодий 1572–1573 йили.

⁶³⁵ Милодий 1573 йили 26 февраль.

⁶³⁶ Милодий 1574–1575 йили.

Мулкни Довуд қўлидан олади].

Банорасдан бахт ва давлат билан равона бўлиб, рабиъ ус-соний ойининг ўнинчиси, сана 983 йили⁶³⁷ Патна қалъасининг ҳудудига кириб, шу ерда жанг барпо бўлди. Довудхон мағлуб бўлгач ваҳм ва қўрқувга тушиб, 21 рабиъ ус-соний кечаси кемага миниб, Бангола тарафига қочди. У ерда бир муддатдан кейин мақтул бўлди.

Ҳижрий 983 йили⁶³⁸ фитначи ва иғвогар одамларнинг қўлидан икки биродар, яъни Акбар подшоҳ ва шаҳзода Муҳаммадҳаким ўрталарида яна мухолифат ва мухосимат (душманлик) тезлашди. Акбаршоҳ ўғли шаҳзода Мурод ва сардор Канур Монсанг, рожа Бҳагвандас Кажвоҳани бошқа мансабдорлар билан бирга қалин сипоҳ бериб шаҳзодани адабини бериш учун Кобулга юборди. Кобул атрофида қаттиқ жанг бўлди. Шаҳзода Муҳаммадҳаким шикаст еб, Кобул қалъасига кириб яширинди. Бироз қамалдан кейин Султон Мурод амакиси билан қисқа яраш қилиб қайтди. Ҳижрий 993 йили шаъбон ойида⁶³⁹, Акбаршоҳ жулусининг ўттизинчи йилида, шаҳзода Муҳаммадҳаким, Ҳумоюн подшоҳнинг кенжа ўғли, Акбаршоҳнинг элоти (ота бир она бошқа) укаси ўттиз икки ёшда фоний оламдан жовидоний равзага кўчиб кетди. Ундан нек ахтар учта ўғил: шаҳзода Муҳаммадмуқим, Муҳаммадраҳим ва Муҳаммадмумин ва иккита исмат сийратли қиз ёдгор қолди. Муҳаммадҳаким ибн Ҳумоюн подшоҳ, Акбаршоҳнинг элоти укаси 15 жумада ал-аввал сана 961 йили⁶⁴⁰ Кобулда таваллауд топган эди. Таваллуди таърихини «Абулфазойил», деб топганлар.

Муҳаммадҳакимнинг болалари кичик ёшда бўлганларидан Акбар подшоҳ фармон бердики, Панжоб волийси рожа Бҳагвандас Кажвоҳа ва унинг ўғли Канур Монсанг Кобулга бориб, ул вилоятни қўлга олиб, меросий мамлакат таркибига киргизиб, тутумига кўшиш қилсинлар ва шаҳзода Муҳаммадҳаким болаларини Акбаробод дору-с-салтанатига юборсинлар.

Фаромонга биноан Панжоб ҳокими ул тарафга шошиб, Кобул ва унинг тобеотларини тасарруф қилиб, шаҳзода Муҳаммадҳакимнинг фарзандлари ва уруқини ўғли Канур Монсанг билан дору-с-салтанат бўлмиш Акбаробод шаҳрига юборди. Муҳаммадҳакимнинг болалари ва оиласи амаки бузругвори тахти ҳимояти ва тарбиятида қолиб, парвариш ва осойишталик билан кун кечирдилар.

Акбар подшоҳ қамарий тақвим бўйича эллик икки йилликлик салтанатдан кейин, чоршанба куни кечаси, ҳижрий 1014 йили 13 жумада ас-соний ойида, урдубиҳишт куни, учинчи Обонмоҳ, шамсий йилида тахтга чиқишининг элликинчи йили, 16 октябр эски тақвим билан, янги тақвим билан эса 26 октябр 1605 исавия йили Ҳақ даъватини «лабайка», деб қабул қилиб, охират жаннат саройига рихлат қилди. Акбаробод қалъасидан қарийб уч куруҳ келадиган Искандар боғида, ул хужаста хислатли подшоҳ тарафидан ўлимидан олдин ўзи учун бино қилган дахмада дафн этдилар. Бу равза (боғ) Биҳиштобод деб аталди. Аср шоирлари унинг вафотига марсия ва таърихлар ёзган. Жумладан будир, мисраъ: «панжоҳу ду сол ҳукмрон Акбаршоҳ».

Яна бири бундай деган:

Шоҳ Акбар жалоли давлату дин,
Ки зад аз қадр бар фалак ҳар гоҳ,
Моҳии умри ў афтод ба шаст,
Навбаташ даргузашт аз панжоҳ.
«Нахли шоҳияш чун зи по афтод»,
Гашт таърихи фавти Акбаршоҳ.
[Шоҳ Акбар жалоли давлату дин,
Қадри уни фалак билан тенглашар эди.
Унинг умри балиғи олтмишга етганда (қалмоққа тушганида),
Салтанатидан эллик йил ўтди.
Шоҳлик дарахти кулагани эса,
Акбаршоҳ вафотининг тарихи бўлди].

Акбаршоҳ беморликдан жон бериш арафасида бўлган замонда шаҳзода Салим отасини кўриш ва мулоқот қилиш учун Аллоҳободдан Аграга келиб, ҳали сув ёқасида истиқомат қилар эдики, Акбаршоҳи жаннатошиёний кўзида қолган ҳукмронлик гилами нури билан бу фоний жаҳондан жовидоний мулкда жаҳонбонлик қилиш учун кетди. Аксар умаро ва давлат аъёнлари бобоси ҳузурида бўлган шаҳзода Салимнинг ўғли Султон Хусрав салтанатига тарафдор эдилар. Бироқ Акбаршоҳ даргоҳининг энг улуғ амирларидан бўлмиш Шайх Фарид, баъзи буюк амирлар билан бунга қарши чиқиб, шаҳзода Салим ибн Акбаршоҳ истиқболига бориб, аҳд-паймон шартлари ва

⁶³⁷ Милодий 1575 йили.

⁶³⁸ Милодий 1575–1576 йили.

⁶³⁹ Милодий 1585 йили 29 июль – 27 август.

⁶⁴⁰ Милодий 1554 йили 18 апрель.

салтанат табригини бажо келтирдилар. Қолган умаро ва вузарога ҳам маълум бўлдики, асосий ворис бўлатуриб, мамлакат бошқаруви ва салтанат ишларини ёш ва ғўр бўлган набира, яъни Султон Хусравга беришлик маслаҳатдан йироқдир. Бу васиятни бекор қилиш учун улар ижмо ва иттифок қилиб, Султон Хусравнинг отаси шахзода Салимнинг подшоҳ бўлишига розилик бердилар.

Султон Хусрав бу аҳволни кўриб, Лоҳургача қочиб борди. Ҳар тарафдан *чағатой*⁶⁴¹, *афгон*, *ҳазора*⁶⁴² ва *гужаратлик*лардан йигирма минг киши шахзода Султон Хусрав байроғи остида жам бўлдилар. Бу хабар шоҳ Салимга етиб боргач, у қалин лашкарни Шайх Фарид амирлиги остида ўғли Султон Хусравга қарши жангга юборди. Ўртада қаттиқ уруш бўлиб ўтди. Шоҳ Салим лашкарига гуруҳ-гуруҳ янги кучлар келиб қўшилганидан Султон Хусрав қаттиқ шикаст топиб, қочишга юзланди. Лоҳур сувидан кечиб ўтаётганида кемачилар шахзодани таниб олиб, Лоҳур ҳокими Қиличхонга хабар бердилар. Мазкур ҳоким шахзодани эҳтиётлик билан, турли ваъда ва онтлар бериб, Лоҳурга олиб келди ва шоҳ мавкаби етиб келганида отаси шоҳ Салим ҳузурига юборди. Шоҳ Салим музаффар ва мансур ҳолда дору-с-салтанат Акбарободга мурожаат қилиб, жаҳондорлик салтанати тахтига ўтирди.

Усманий халифаларидан Султон Салим унга ҳамаср ва ҳамном бўлганидан у бу исмни хато деб топиб, ўзини Жаҳонгиршоҳ номи билан машҳур этди. Тагин унинг шахзодалиқ айёмида ҳинд мунажжимлардан эшитган эдики, Акбаршоҳ салтанати навбати ўтгани билан тахтга Нуриддин деган киши тахту тожга эга бўлади. Бинобарин ўзига Нуриддин лақабини ҳам олди. Замона фозиллари унинг жулусига таърихлар айтганлар. Таърих:

Соҳибқирони соний шоҳаншаҳи Жаҳонгир,
Бо адлу дод биншаст бар тахти комрони.
Иқболу бахту давлат, фатҳу шукуҳу нусрат,
Пешаш камар ба хизмат баста ба шодмони.
Соли жулуси шоҳи таърих шуд чу бинҳод,
«Иқбол» сар ба пойи «соҳибқирони соний».
[Соҳибқирони соний шоҳаншоҳ Жаҳонгир.
Комронлик тахтига адл ва инсоф билан ўтирди.
Иқболу бахту давлат, фатҳу шукуҳу нусрат,
Шодмонлик билан унинг хизматига бел боғладилар.
Шоҳликка ўтириш йили тарих бўлади агарда,
«Иқбол» «соҳибқирони соний» оёғига бош қўйса].

«Хонлар тазкираси»⁶⁴³ ва Мавлоно Фазли Хўқандийнинг «Шоҳномаи манзума»⁶⁴⁴ сида ёзилганки, Акбар подшоҳ вафот этган чоғида, тахту салтанат ва ҳукмронлик учун шоҳ Салим ва унинг ўғли Султон Хусрав ҳамда умаро ва вузаро ўртасидаги мамлакатда пайдо бўлган низоъ ва мухолифат, кўзғолон ва инқилоб натижасида шахзода Муҳаммадҳакимнинг баъзи намакхўрлари ва

⁶⁴¹ XIII асрнинг 2-ярми – XVI асрнинг бошларида Мовароуннаҳр аҳолиси номи. Чингизхоннинг ўғли – Чигатой номи билан боғлиқ. XIII аср бошларида Мовароуннаҳр Чигатой улуси таркибига кирган. Бу даврда (XIII–XVI асрлар) “Чигатой” атамаси дастлаб Чигатой атрофидаги аслзодалар, қўшини ва уларнинг авлодларини англатган. XIV асрда кўчманчи ва ўтроқ туркий аҳолининг аралашуви натижасида янги элат шаклланди. Кейинчалик XV асрда Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистоннинг туркий аҳолиси чағатой деб аталган.

XV асрнинг охири – XVI аср бошларида Мовароуннаҳрнинг туркигўй ва форсигўй ўтроқ аҳолиси чағатой деб аталди. XVI–XVII асрларда Мовароуннаҳрнинг ўтроқ туркий аҳолисининг катта қисми ўзбек номини қабул қилди. XVIII аср манбаларида Бобурийлар салтанатининг қўшини чағатой деб аталган.

(“Ўзбекнинг ҳарфан маъноси – “Ўз, ўзи, ўзаки берк, мустаҳкам, метин”, яъни ўзаги, зоти мустаҳкам, берк демақдир. Кейинчалик бу сўз “ўзига мустақил хўжайин, эркин” (муқояса қилинг қозоқ – мустақил, эркин, бебош) деган маънога эга бўлган). Диққатга сазовори шуки, бу сўз муҳим маъноли унвон исми бўлиб, эски мижозларда (венгерларда) ҳам учрайди. Шу мазмунда 1150 йилларга (демак, Ўзбекистондан олдин) оид ҳужжатларда ҳам бу ибора мавжуд.

XI асрда Сурияда яшаган араб тарихчиси Усома Ибн Мунқизнинг “Китоб ал-эйтибор” (“Ибрат китоби) деган асарида ёзилишича, Ўзбек исми Мавсил ҳокими бўлган. Хоразмшоҳ Жалолиддин даврида (1221–1231) Озарбойжон ҳукмдори Отабек ўзбек яшаган.

Ўзбек сўзи Фарғона водийсидаги кипчоқ гуруҳ шеваларида озбек-озбек шаклида талаффуз этилади содда, инсофли одам маъноларида ишлатилиши манбаларда ёзилган. Демак, Ўзбек улуси (Жўжи улуси, Олтин ўрда) ҳали ташкил топмаган аввалги вақтларда ҳам ўзбек атамаси бор эди.

“Абдуллонома” китобида ўзбек сўзи “отлиқ қўшин” маъносида талкин этилади. Алишер Навоий “Садди Искандарий”да ўзбек сўзини туркий уруғ ёки қабила сифатида талкин қилади.” (Зиётов З. Турон қавмлари. – Тошкент: Истиқлол, 2008. – Б. 189–190.

⁶⁴² Ҳазоралар туркийлашган муғул қабиласидир.

⁶⁴³ Матнда “Тазкират ал-хавонин” (“Хонлар тазкираси”). Мирзо Олим ибн Муҳаммадраҳим Тошкандийнинг “Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин” эмасикин?

⁶⁴⁴ Мавлоно Фазли Хўқандийнинг “Шоҳномаи манзума” си – Фазлий Намангонийнинг “Умарнома” асари.

мулозимлари бу фурсатни ғанимат деб билиб, ... (15 жумада ал-охир) ойининг ўртасида, сана 1014 йили, 28 октябрь сана 1605 исавий йилги мутобиқ Муҳаммадмуқим шаҳзода Муҳаммадҳаким ибн Ҳумоюн подшоҳнинг катта ўғлини Акбарободдан қочириб, Лоҳур тарафига олиб кетдилар. Муддаолари шу эдики, агар толеъ ёр бўлса Кобулни қўлга олиб, Ҳиндистоннинг бошқа ерларини ҳам босиб олишга саъй ва ҳаракат қилгайлар. Бироқ, иқбол ва рўзғор шаҳзода Муҳаммадмуқимга ёр бўлмади. Андак вақтда Султон Хусрав мағлуб ва маҳбус бўлиб, шоҳ Салим, яъни Нуриддин Жаҳонгир подшоҳ музаффар ва мансур Акбаробод дору-с-салтанатида подшоҳлик тахтига қайтиб қарор топди. Ҳиндистон мамлакатада кўтарилган фасод ва фитна чанги тезда тиниб, мулкдаги барча исёнчи ва итоатсиз кишилар бирдан шоҳ Салим, Нуриддин Жаҳонгир подшоҳ хати фармонида бош эгдилар.

Жаҳонгир подшоҳ жулусининг иккинчи йили, сана 1015 йили⁶⁴⁵ шаҳзода Муҳаммад Муқимни даф этиш ва Лоҳур билан Кобул билодларини забт этиш учун бу тарафга черик тортиш учун фармон берди. Шаҳзода Муҳаммад Муқим узангисида жам бўлган *афғония*, *ҳазора* ва бошқа тоифадагилар фатҳ аломатли жаҳонгирий байроқларнинг бу томонга бурилишини эшитиб, Баноти наъш⁶⁴⁶ га ўхшаб ҳар ёнга пароканда бўлдилар. Шаҳзода Муҳаммад Муқим Кобул ҳудудида истиқомат қилаолмасдан, хос ва меросий мулозимлари билан Туркистон сари азимат этди. У ердан Бухорога Вали Муҳаммадхон, Мовароуннаҳр ва Турон подшоҳининг ҳузурига келиб навозиш ва ҳурмат кўрди. Вали Муҳаммадхон катта тантана ва шоҳона тўйлар қилиб, қизи Шарафнисо бегимни Муҳаммадмуқимхонга хотинликка бериб, унга мерос бўлган Фарғона мулки ҳукуматини ваъда берди. Шаҳзода Муҳаммад Муқимхон Вали Муҳаммадхон ҳузурида истиқомат қилиб, 1019 йили⁶⁴⁷ Самарқанд волийсси Имомқулихон ибн Дин Муҳаммадхон ва Балху Шибирғон ҳамда уларга тобе худудларнинг ҳокими Муҳаммад Султон амакиларининг итоатидан бош тортиб, фитна ва фасод яловини кўтариб, Вали Муҳаммадхонни Эрон сари чекинишга мажбур қилдилар. Уша замонда яшаган Хўжа Шуайб Жусқоний бу воқеа таъриhini бундай берган: Таърих:

Чун зи гардишҳойи чархи мунқалаб,
Гашт пайдо дар Бухоро инқилоб.
Шоҳи Туркистон Вали хон, ки ҳаст,
Зеббахши маснади Афросиёб.
Раҳнамун шуд давлат ўро то ниҳод,
Рў ба даргоҳи шаҳи молик риқоб.
Шоҳ Аббос қадару қудрат ки ҳаст,
Комрону комбахшу комёб.
Ин қирони саъдро таърихи сол,
Кардам аз андешаи қудси хитоб,
«Сохт равшан шамъи мажлис»рову гуфт,
«Моҳ шуд меҳмони базми офтоб».
[Бу айланувчи чарх қўлидан,
Бухорода инқилоб пайдо бўлди.
Валихон Туркистон хони,
Афросиёб тахтининг беагаи.
Давлат ундан юз ўгирганда,
Подшоҳлар унга қул бўлган даргоҳ сари кетди.
Бу шоҳ Аббоским, бўлган кучу қудратдан,
Комрону комбахшу комёб эди.
Бу бахтли учрашув тарихини,
Муқаддас андишадан сўраганимда,
«Мажлис шамини равшан қилиб» деди:
«Ой қуёш базмига меҳмон бўлиб келди»].

Маълум бўлсинким, охириги мисраъ бутунлай тарих моддаси бўлиб, ундан сана 1019/ 1610-1611 рақами чиқади. «Шамъи мажлис равшан сохт» («Мажлис шамини равшан қилди»), деган иборатдан ҳам камайтириш (табъия) йўли билан тарихни ҳосил қилиш мумкин. Бундай тарих тузиш ҳунардан холи бўлмас.

⁶⁴⁵ Милодий 1606-07 йили.

⁶⁴⁶ «Банот ун-наъш» («Ўлик қизлар») – араблар Етти қароқчи (Катта айик) юлдузлар туркумини шундай атайдилар. Бадиий адабиётда бир-бировдан айри тушиш рамзи сифатида ҳам ифода этилади.

⁶⁴⁷ Милодий 1610–1611 йили.

Ҳижрий 1019 йили⁶⁴⁸ Вали Муҳаммад замона ўзгаришлари билан Эронга ҳижрат қилганида, Муҳаммадмуқимхон у билан видолашиб, Бухородан меросий мулки бўлган Фарғона тарафига равона бўлди. У Хўжандга келиб бу шаҳарни Имомқулихон ибн Дин Муҳаммадхон гумашталари қўлидан олди ва Фарғонани ҳам босиб олиш ниятида лашкар жамлашга киришди. Бу воқеанинг хабари Имомқулихонга етиб бориб, бисёр лашкарни шахзода Муҳаммадмуқим дафи учун юборди. Хўжанд даштлигида икки лашкар ўртасида қаттиқ жанг ва саваш бўлди. Имомқулихоннинг сипоҳи шахзода Муҳаммадмуқим лашкаридан икки барабар кўп бўлганидан, шахзоданинг мардлиги ва кўшишлари наф келтирмади, шахзода танасига кўп оғир жароҳатлар етказилди ва унинг лашкари мағлуб бўлди. Падари бузруквори Мирзо Муҳаммадҳаким лашкарининг улуғ саркардаларидан *атобак (отабек)* Камолиддинким, шахзода болалик чоғидан унга отабек тайин бўлган ва шу замонгача у билан ҳамроҳ эди, шахзода отини лажомини қўлга олиб, бу бало жарлигидан олиб чиқди. Кичик бир фавж ва хос мулозимлар билан қочишни ихтиёр қилиб, Хўжанд қалъасига кириб, паноҳ топмоқчи эдилар. Бироқ замона гардиши билан қалъа қўлдан-қўлга ўтиб, захира ва кўр-қутдан холи бўлиб қолган эди. Боз устига бирор тарафдан кўмак ва мадад етиб келишини тасаввур қилиб бўлмас эди. Ночор бу қалъада қолиш ва яшашни имкони бўлмаганидан, кўтариб кетиши осон бўлган нарсаларни олиб, кўч-курони ва бир фавж мулозимлари билан Хўжандни ташлаб, худди шу кечаси Фарғона сари қочдилар. Ҳозир Хўқанд номи билан машҳур бўлган Тарғова мавзеига етиб келганларида шахзода Муҳаммадмуқимнинг хотини Шарафнисо бегим бинт Вали Муҳаммадхонни ҳамл дарди этагидан тутди. Кўп азоб ва машаққатлардан сўнг бир гўзал бола вужуд майдонига келди. Илоҳий тақдир тақозоси билан замона мастураси бу фоний жаҳондан борлиқ тўшагини йиғиштириб, ризвон равзасига кетди. Ҳижрий 1019/1610-1611 йили макондаги бир тепаликда уни дафн қилдилар. Душман орқадан етиб келиши хавфидан қочиш ҳолатида бу масъуд болани ўзлари билан олиб кетишлари маслаҳат ва хайриятдан узоқ эди. Соҳиби ақл сардорларнинг маслаҳатлари билан салтанат тожининг гавҳарини бир ҳарир ва нафис матога ўраб, ёнига дуру жавоҳир ва тиллоларни қўйиб, ишончли бир неча аёл ва эркакка топшириб, хусравий садафнинг химоясига васиятлар қилиб, йиғи-сиғи билан, Худо ҳофиз дея, Фарғонанинг обод қасабаларидан бири бўлган Ўш қишлоғи тарафига равона бўлдилар. Бу ерда шахзода захмларини даволаб, лашкар йиғиб, фурсат қўл берганида Фарғона маркази ва аждодларининг пойтахти бўлмиш Андижонни босиб олмоқчи эдилар. Бироқ бу муроднинг ғунчаси иқбол насимидан очилмади, умид нахли ўсмасдан ул султонлик боғининг дарахти айни камоли ва ёшлиги вақтида ногаҳоний ажал қуюнидан ерга йиқилди, яъни зу-л-ҳижжа оий, 1019 йилнинг охирида⁶⁴⁹ шахзода Муҳаммадмуқим Ўш қишлоғида ўша жароҳатлар таъсиридан боқий оламга риҳлат қилди. Шахзода жасадини Фарғонага тобе ерларидан бўлган Ўшда шоҳона жиҳоз ва кафанларга ўраб, сунийлар суннатига мувофиқ Осаф Бурҳиё номи билан маъруф бўлганнинг нурлар билан тўла мозори ёнида ерга топширдилар, «...албатта биз Аллоҳникимиз ва албатта биз у Зотга қайтгувчилармиз».⁶⁵⁰

Фарғона фозилларидан бири унинг вафотини назм риштасига бундай тортган:

Таърихи фавти ўро пурсидамаш зи ғилмон,

Сар аз биҳишт бурун кард гуфто «биҳишт жояш»⁶⁵¹.

[Жаннатдаги ғилмондан унинг вафоти йилини сўрадим,

Беҳишдан бошини чиқариб «унинг жойи беҳишт»дир деб айтди].

Шахзода Муҳаммадмуқимхон дафни маросимидан кейин, унинг сипоҳи (сардорлари) ва мулозимлари машварат қилиб, шахзоданинг отабеги бўлган тажрибали ва синовлардан ўтган Камолидинхонни ўзларига саркарда қилиб сайлаб, Тарғова мавзеида қолдирилган ул бахтли чақалоқни қидириб топиш учун равона бўлдилар.

Йўлда қолдирилган бола воқеасининг тафсилоти юқорида баён қилинган эди⁶⁵². *Турк, қирғиз, йуз, қипчоқ* ва *ўзбек* тоифалари (чақалоқ қолдириб кетган) шу дарёлар атрофи ва ул хуш обу ҳаво жойларда ўтов қўйиб истиқомат қилардилар. Бу улус ва тоифалардан бир неча нафари бола билан қолдирилган сипоҳга дуч келиб, уларни йўлтўсар ва босқинчи деб гумон қилиб, қабила ва тавоифларига хабар бердилар. Ҳар тарафдан эл ва улус жам бўлиб, уларни қўлга олиш учун ҳаракат қилдилар. Шахзоданинг қўриқчилари ва мулозимлари бу аҳволни кўриб, «ан-нажоту фи-с-сидқи» («нажот тўғри сўзда»), деб ростликдан бошқа чора кўрмай бўлган воқеани бошидан охиригача айтиб

⁶⁴⁸ Милодий 1610–1611 йили.

⁶⁴⁹ Милодий 1611 йили 14 январь.

⁶⁵⁰ Қуръони карим, 2:156.

⁶⁵¹ Тарих моддаси 1021 сонидан беҳишт сўзининг боши “бе” ҳарфи олинса 1019/1610–1611 бўлади.

⁶⁵² Юқоридаги ривоят айнан такрор бўлган.

бериб, сўзларини исботлаш учун ўтов ичида доянинг кўлида заррин ва ҳарир матога ўралган шоҳ хонадонидан бўлган ул болани, қимматбаҳо жавоҳир ва олтинлари билан бирга қабилалар ва улус бошлиқларига кўрсатдилар.

Қабила ва улуснинг улуғлари шаҳзодани кўриш ва мушоҳада қилишлариданоқ, беандоза хурсанд ва шод бўлиб, унинг тарбиясида фикрларни ўртага ташлаб, машваратни бошладилар. Бу тўртта қабила ичида эътибор ва сон жиҳатдан катта бўлган минг қабиласи тифл тарбиясида ҳақлари кўпроқ бўлганини исботлаш учун ҳаракат қиларди. Бошқа қабила ва тоифалар бу маънони ўзларига ор ва хато деб билиб, барча молу мато ва жавоҳиротни уч ҳиссага бўлиб, бирини тифлга, қолганини қуръа ташлаб тўрт қавм ва қабилага тақсимлаб беришни таклиф қилардилар, токим ҳар бир қабила бахт ва тақдирига рози бўлиб кетсин. Бу маънони минг қабиласи қабул қилмай, қилу қол жанг ва жадалга айланиб кетди. Бахтли тасодиф билан шу вақт бу ерга Камолиддин *отабек* шаҳзода Муҳаммадмуқимхони жаннатмакон сипоҳи ва мулозимлари билан Ўш тарафидан етиб келди. Халоиқ йиғилган жойга келиб, бундай душманлик ва низолар сабабини фаҳмлаб, уларнинг ораларига кирди-да, яхши сўз ва мулойимлик билан савоб тадбир тариқасида маслаҳат бердики, ҳар тўрт қабиладан биттадан оқила аёл ва бир нафардан билимдон эркакни шаҳзода тарбияси ва хизмати учун танласинлар, токи ҳамма қавм шаҳзода тарбиясида бирга шерик бўлиб қатнашсинлар. Шаҳзода балоғат ёшига кириб улғайса тоифалар ва қабилаларнинг сардорлари бир қизни унинг никоҳига киритсинлар, токи унинг насаби барча қабила ва тоифага боғлансин. Ҳамма тоифа ва қабилалар бу фикр ва тадбирни қабул қилдилар ва шу билан уларнинг ўрталарида сулҳ ва яраш қарор топди.

Бу тоифа ва қабила болага турли ном ва отларни қўйиб ташладилар. Шаҳзода тилло билан безатилган бешикда, заррин ақмиша ва жавоҳирлар билан топилгани боис Фарғона вилоятининг барча ўзбек ва улус аҳли иттифоқ билан уни Олтун Бешик деб атадилар. Ўша замоннинг чингизия ва ўзбекия улусининг расми ва қоидасига биноан ҳар бир қавм ва қабиладан бир вакил тайинлаб, ўша тифлни оқ кигиз устига қўйиб, халоиқ вакиллари кўтариб бу некбахт бола учун ясалган тахт устига қўйдилар ва уни хонликка ўтказиб, аҳд-паймон қилдилар. Аср шоирлари ва фузалолари унинг жулуси бобида қасида ва таърихлар битган. Жумладан мана бу байт таҳрир топди:

Гуфто хирад соли жулус,
«Олтун Бешик султони мо».
[Жулус йилини хирад,
«Олтун бешик бизнинг султон», деб айтди].

«Олтун Бешик султони мо» деган лафз таърих моддаси бўлиб, 1020 (1611–1612) сонини беради.

Отасининг вазири бўлган Камолиддин *отабек*ни барчанинг иттифоқи ва ижмои билан шаҳзода васийлигига сайладилар. Мулк ишларининг идораси, адлу инсоф, раият парваришини унинг кифоят кафтига ва байроғи остига топширдилар. Камолиддин *отабек* оқил, тажрибали ҳукумат бошқаришнинг юриши ва расмидан хабардор бўлганидан қисқа вақтда ҳукумат ва давлат ишларини яхши тартиб ва бир низомга киритди, вилоятлар ва мамлакат тутумини адл ва инсоф қонун-қоидалари билан олиб борганда, халойиқ ва раият рози ва харсанд бўлдилар. Бироқ, ҳукмронлик ишлари қанча кўп бўлмасин шаҳзода тарбиясида заррача ғафлат ва бепарволикка йўл қўймасди. Олтун Бешик ёши тўққизга етганда яхши хулққа эга бўлган бир олим ва фозилни унга муаллим ва мураббий тайинлаб, шаҳзоданинг тарбия ва таълимида катта ҳиммат кўрсатдилар. Шаҳзода балоғат ва ўспиринлик ёшига етганида аскарария ва сипоҳчилик билимлари ва раиятни бошқариш қонунларини ўзлаштириб, давлат ишлари ва салтанат ихтиёри лажомини истиқлол ва иқтидор қўлига олиб, адолат тахтига ўтирди. Андак замонда адл ва додда замона султонлари ва аср хонларидан сабоқ бериш тўпини ютиб олди. Фарғонанинг аҳолиси ва раияти иттифоқ билан унинг хатига итоат ва таслим бошларини қўйиб, унинг амру наҳийсига жону диллари билан қулоқ солиб, итоат қилдилар. Кундан кунга унинг хайру саховати ва адлу инсофи овозаси бутун Мовароуннахр ва Туркистонда тарқалиб, машҳур бўлди. Ўн саккиз ёшга кирганида миллат аминлари ва давлат вакилларининг машварати билан Қутлуқхоним деган минг қабиласи улуғларидан бирининг қизини никоҳига киритдилар. Бир йилдан кейин Аллоҳ марҳамати билан ундан бир ҳумоюн манзар ўғил вужудга келди. Унинг номини Тангриёрхон, Худоёрхон ва Султон Эликхон деб атадилар. Шаҳзода тўққиз ёшга кириши билан уни хужаста сийрат муаллимлар ва соф табиатли мураббийларга бериб, таълим ва тарбиясига саъй қилдилар. Балоғат ёшига етганида диний ва дунёий илмларга эга бўлиб, сипоҳчилик тадбирлари ва подшоҳчилик ишларида падари номдорининг нойиби ва ўринбосарига айланди. Унинг ёқимли хулқидан ва маъқул атворидан сипоҳ рози ва раият шокир эдилар. Фарғона мамлақати ва шаҳарлари обод ва маъмур бўлди.

Шу йили Мовароуннаҳр ва Бухорода улуғ бир воқеа бўлиб ўтдики, уни мухтасар баён қилинажак. Ҳижрий 1020 йили⁶⁵³ Тўқай Темурхон ибн Жўжихон ибн Чингизхон авлодиданким, Ҳожи тархон, Қазон ва Қазоқистону Тотористонда ҳукумат ва подшоҳлик қилардилар ва тарих китобларида Аштархоний хонлари номи билан тилга олиниб, машҳур бўлган Имомқулихон ибн Дин Муҳаммадхон ибн Жон Султон ибн Муҳаммадхон ибн Манғишлоқхон ибн Жувоқхон ибн Муҳаммадхон Иккинчи ибн Темур Султонхон ибн Қутлуқ Темурхон ибн Тўқай Темурхон ибн Жўжихон ибн Чингизхон Қазоқистон ва Дашти қипчоқ тарафидан келиб, бир неча жанг ва жадаллардан сўнг Мовароуннаҳр ва Бухоро ҳамда уларга тобе ерларни Музаффараддин Абулфатҳ Муҳаммад ибн Шоҳ Бадоғхон ибн Абулхайрхон ибн Давлат Шайххон ибн Иброҳимхон Шайбоний сулоласидан бўлмиш ҳукмдори Вали Муҳаммадхон устидан ғолиб чиқиб, кўлига олди. Вали Муҳаммадхон Моғиённинг Кўл мавзеида қатл қилинди. Мовароуннаҳрда Шайбония салтанати инқироз топиб, уларнинг ўринларига Аштархония хонлари қарор топдилар.

Султон Олтун Бешиқхон Фарғона давлатининг вазирлари ва вакиллари машварати билан, ўша замон фозиллар ичидан бир сўзомол элчи танлаб, унга подшоҳларга лойиқ бўлган қалин тўхфа ва ҳадияларни бериб, табрик ва таҳният ҳамда қариндош бўлиш илтимоси билан Имомқулихон ибн Дин Муҳаммадхон ҳузурига юборди ва унинг қизини ўғли Тангриёрхон учун сўради. Имомқулихон бу элчиликни қабул қилиб, Бухоронинг саййидлари ва улуғларидан уч нафарни совчилик ва қудачилик қабул бўлган хабарини етказиш учун элчига қўшиб юборди. Бу хушхабар Фарғона хони Олтун Бешиққа етиб келгани билан жуда хурсанд ва мамнун бўлиб, Фарғона аён ва акобиридан Бухоро элчиларини кутиб олишлари учун юбориб, улар иззат ва икром билан олий саройга олиб келиб, ҳумоюн назарига манзур қилдилар. Бир неча кун меҳмондорчилик қондаси ва расмини бажо келтириб, шоҳона тўйларга атаб турли жинс мато ва ашёлардан сон-саноксиз подшоҳона ҳадияларни муҳайё ва омода қилиб, уламо ва кубародан бир неча нафарини ўзбекия қондаси ва расмига мувофиқ танлаб, ўша тўхфа ва ҳадияларни уларга бериб, Бухоро элчилари билан Бухоро дору-с-салтанатига юбордилар. Бухоро султони ҳам уларнинг пешвозига давлатининг улуғлари ва ашрофларини юбориб, аёло қадрли ҳол икром ва эҳтиромни бажо келтирди. Эртаси Фарғона хони элчилари Имомқулихон ижозати билан султонлик саройига келиб, ўша замонда мислсиз ва ҳеч ким кўрмаган тўхфа ва тансуқотларини Бухоро хони назари олийсидан ўтказиб, шоҳона марҳамати ва лутфига лойиқ бўлдилар. Меҳмондорчилик расми бажарилиш билан Имомқулихон қизи Фотима султонни Бухоро аёнларининг хотинлари билан Фарғона элчиларига қўшиб равона қилди. Элчилар соғ-саломат Фарғонага келиб, шоҳона маросим ва тўйларни ташкил қилиб, замона Билқиси Фотима султонни Султон Элик, яъни Тангриёрхонга никоҳ қилиб, хотинликка бердилар. Бир йилдан кейин Аллоҳ марҳамати билан бир ўғил таваллуд топди. Унинг номини Султон Эликхон қўйдилар. Келаси йили оламга келган ўғилни Муҳаммад Амин деб атадилар. Учинчи йили туғилган болага Ёр Муҳаммадхон деб исм қўйдилар. Болалар саккизга кирганларида тарбиялари учун бир оқил муаллим ва мураббий тайин қилинди. Амирзода Муҳаммад Аминхон ва Ёр Муҳаммадхон балоғат ва камол ёшига етганларида диний ва дунёвий илмлардан яхши баҳра олган эдилар.

Бухоро султони Имомқулихон ўзининг бир ишончли вазирини Фарғона султони Тангрёр ҳузурига юбориб, ундан невараси Муҳаммад Аминхонни Бухорога юбориши ва Хоразм забти учун унга мадад бершини сўраб илтижо қилди. Тангрёр султон кечикмасдан кучли бир лашкар омода қилиб, катта ўғли шаҳзода Муҳаммад Аминбекни унга сардор қилиб, ўша вазир билан Бухорога юборди. Шаҳзода Муҳаммад Аминбек Самарқандга етиб келганида, Бухоронинг икромли вазирлари, уламолари ва аёну ашрофлардан бир гуруҳни унинг истикболи учун юбордилар. Улар шаҳзода Муҳаммад Аминни иззат ва икром билан Бухоро дору-с-салтанатига олиб кирдилар. Бухоро ҳукмдори Имомқулихон шаҳзода таъзими учун тахтидан тушиб, уни кўксига босиб ўпди, кўлидан олиб султонлик тахтининг ўнг томонидан, ўз ёнидан унга жой берди, бениҳоя лутф ва марҳаматларини кўрсатди. Унинг тобелари ва посбонларига ҳам шоҳона манзиллар тайин қилди ва меҳмондорчилик бобида имкони борича саъй ва ҳаракат қилди.

Ўша йили қалин лашкарни ораста ва тартиб бериб, Муҳаммад Аминбек амири лашкарлигида Хоразмга юборди. Хоразм вилоятида шу онда Арабхон Ибн Фўлодхон зурриётидан Исфандиёрхон ҳукумат сурарди. Шаҳзода Муҳаммад аминхонни Фарғона ва Бухоро лашкари билан келаётган кезде Исфандиёрхон шунқор бўлди. Хоразмнинг уламоси ва улуғлари шаҳзода Муҳаммад Аминбек пешвозига чиқиб келиб, итоат ва инқиёдларини изҳор қилдилар ва Хоразм ҳукуматини унга таслим қилдилар. Шаҳзода Муҳаммад Аминбек бу ўлкан фатҳ хушхабарини Бухорога Абулмузаффар

⁶⁵³ Милодий 1611–1612 йили

Имомкулихонга етказди. Абулмузаффар Имомкулихон бу хабардан хурсанд ва шодмон бўлиб, бир элчини мурассаъ тожу камар, салтанатнинг бошқа олот ва асбоблари билан Хоразмга юбориб, Муҳаммад Аминбек ибн Тангриёрхонни Хоразм хонлиги ва салтанати билан табриклаб, қутлади. Шаҳзода Муҳаммад Аминбек Хоразмнинг хонлик ва ҳукмронлик тахтига мустақил ўтириб, адолат ва ва инсоф билан ҳукм сурди ва ёшлик пайтида тўсатдан вафот этиб, фоний жаҳондан рихлат қилди. Хоразм вилоятида ундан тахт вориси қолмади. Фарғона мамлакатада Абулқосим деган бир кичик ёшдаги ўғли қолган эди. Унинг зикри келажакда баён қилинажак.

Шаҳзода вафотидан кейин Абулғозийхон ибн... ашхонким, «Тарихи Абулғозийхон» асарининг муаллифи ва Арабхон ибн Фўлодхоннинг авлодидан бўлиб, Орол денгизининг соҳилларида ҳукумат юргизарди, ҳижрий 1054 йили лашкар тортиб келиб Хоразм вилоятини истило этиб, йигирма уч йил салтанат қилиб, сана 1073 ҳижрийда⁶⁵⁴ вафот этди. Ундан кейин ўғли Анушхон тўрт йил ҳукуматда қарор топиб, тахтдан туширилиб ўрнига ўғли Ўзбекхон бир неча йил хонлик қилиб шунқор бўлди. Салтанат навбати укаси Ҳожи Муҳаммадхонга тегди. Бевафо дунё унга ҳам бақо қилмади ва ўғли Элбарсхон⁶⁵⁵ тахтга соҳиб бўлди. Элбарсхон даврида Рус подшоҳининг лашкари Хоразмга келганида мусулмонлар тадбирининг аҳамияти, иттифоқларининг хосиятидан рус лашкари йўқ қилинди, Хоразм уларнинг истилосидан қутқарилган эди. Нодиршоҳ Эроний истилосигача Элбарсхон Мовароуннахрнинг Хоразм вилоятида ҳукм суриб, итоатсизлиги сабаб Нодиршоҳ Хоразм тахтига эга бўлди. [Нодиршоҳ] Ғойибхон ибн Баҳодир султон ибн Эшимхонни бул вилоят хонлигига тайинлади. Бу мухтасарда Хоразм хонларининг зикри Туркистон ва Фарғона хонлари воқеалари нисбатида керак бўлган даражада мухтасар қилиб ёзилди ва бундан ортиғи ортиқдир.

Бу китобнинг ўқувчилари Бухоро ва Хоразм хонлари тарихини билмоқчи бўлсалар бошқа тарихий китобларга, жумладан «Тарихи Абулғозийхоний»⁶⁵⁶, «Тарихи Муқимхоний»⁶⁵⁷, «Гулшанут-таворих»⁶⁵⁸, «Мунтахабут-таворих»⁶⁵⁹ асарларига мурожаат қилсинлар. Биз эса Фарғона ва Туркистонда ҳукм сурган бобурия хонларининг аҳволи ва воқеалари баёнига қайтсак.

«Афзалут-таворих»да ёзилганки, Хўқанд шаҳрининг ғарбида Тангриёр султон отаси Олтун Бешиқнинг топшириғига биноан муҳандислар ва ишбилармон одамларни даъват қилиб, бир чуқур ариқ қовлашга киришибди ва уни тўрт йилда тугатибди. Ариқ номи Жўйи Султон Олтун Бешиқ бўлган. Ҳозир эса бу анҳор Найманча наҳри номи билан машҳурдир. Бу анҳор тарихига Олтун Бешиқ замонидаги шоирлар қасида ва тарихларни назм ипига тортганлар. Жумладан шу битта фард билан кифояланди:

Соли итмоми жў бигуфт хирад,
«Наҳри хони замонаи мо».
[Ариқ қазилди йилини хирад деди,
«Замонамиз хонининг ариғидир бу»].

Иккинчи мисраъ батамом тарих моддасидир ва 1058 сон (1648-49) ундан ҳосил бўлғай.

Ариқнинг икки тарафида бўлган ерлар шу сувдан суғорилиб, шу атроф ва ноҳияда ўтов ва хаймалар қўйиб яшаётган кўчманчи тоифаларга бўлиб бериб, деҳқончилик, зироат, боғу ток қилишга амр қилинди. Ўн йил давомида бу ариқнинг атрофида бир неча кичик қишлоқ ва қасабалар ташкил топди. Ариқнинг охири Сайхун дарёсигача борарди. Хуллас калом, бу хоннинг замонида яхши бинолар ва иморатлар кўп бино қилиниб, унинг асрида жавру зулм йўқ қилинди, адлу адолат маълум бўлди.

Вожиб ул-вужуд зотидан бошқа ҳар бир зотнинг фаноси ва оқибати бўлганидек, сана 1066 ҳижрийда⁶⁶⁰ Олтун Бешиқхон фалаж маразига чалиниб, фоний жаҳондан боқий саройга рихлат қилди, «...албатта биз Аллоҳникимиз ва албатта биз у Зотга қайтгувчилармиз».⁶⁶¹ Умри 46 да, ҳукумати муддати 45 йилу саккиз ой бўлган экан. Уч ойлик тифл эдики, уни Фарғона улуси тоифалари ва қабилалари салтанат тахтига сайлаб қўйган эдилар. Бу жулуси собиқан зикр этилди.

⁶⁵⁴ Милодий 1663 йили.

⁶⁵⁵ Элбарсхон 1728–1739 йилларда Хива хони бўлган.

⁶⁵⁶ «Тарихи Абулғозийхоний» – Абулғозийхон қаламига мансуб «Шажарайи турк» асари.

⁶⁵⁷ «Тарихи Муқимхоний» – Муҳаммадюсуф мунший ибн Хўжа Бақо қаламига мансуб асар.

⁶⁵⁸ «Гулшан ут-таворих» – Муҳаммадъяқуб ибн Муҳаммад Дониёлнинг «Гулшани мулук» асари бўлса керак.

⁶⁵⁹ «Мунтахаб ут-таворих» – асарда «Интиҳоб ут-таворих» номи билан тилга олинган асарнинг муаллифи Муҳаммад Ҳакимхон тўра ибн Маъсумхондир. У ва асари ҳақида қаранг: МуҳаммадҲакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих. Форс-тожик тилидан таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 720 б.

⁶⁶⁰ Милодий 1656 йили.

⁶⁶¹ Қуръони карим, 2:156.

ТАНГРИЁРХОН ЛАҚАБЛИ СУЛТОН ЭЛИКХОН ЖУЛУСИНИНГ ЗИКРИ

Ҳижрий 1066 йили, шаввол ойида⁶⁶² Олтун Бешик вафотидан кейин Фарғонанинг барча эли аржуманд фарзанд Тангриёрхон лақабли Султон Эликхонга қайтадан аҳд-паймон қилдилар. Ўзбекия расму русумига мувофиқ вакиллар уни оқ кигизга ўтказиб, унинг тўрт бурчагидан кўтариб зарин тахт узра ўтказдилар. Дирҳам ва динарларнинг юзи унинг исмидан зеб-зийнат топди, минбарлар боши унинг номидан мунаввар ва киромиё бўлди. Унинг лутфи, рушди, адлу адолатидан мамлакат маъмур ва раият масрур бўлиб, мухаммадия дини ва расму русумининг тараққийси, аҳмадия шаръи шарифининг тақвиятига кўп саъй ва ҳаракат қилди. Унинг давлати ва салтанати замонида деҳқонлар ва ҳунармандалар ҳар тарафдан келиб, зироат ва саноат ишларига ривож бердилар. Тарғова мавзеида унинг кўшиши ва ҳиммати билан бир ўлкан ариқ қазиб, унинг икки томонидаги ерларни ерсиз одамларга ва кўчманчи аҳолига тақсим қилиб бердилар. Қуруқ ерлар экинзорга ва сувсиз саҳролар боғу бўстонга, чаман ва гулистонга айланди. Ҳозирги аср халқи Хўқанд шаҳри ичидаги бу анҳорни Катта сой дерлар...⁶⁶³

АШУРМУҲАММАДХОН ВА УНИНГ ЎҒЛИ ШОҲРУХБЕКНИНГ ЗИКРИ

1094 йили рамазон/1780 31 август – 30 сентябр ойида Фаҳруннисо хонимдан Ашурмуҳаммадхонга Аллоҳ таоло юлдузи порлоқ бир ўғил ато қилди. Отини Шоҳрухбек қўйдилар. Жаҳонни эгаллаш нури унинг юзи ва пешонасидан ярқираб турарди. Тўққиз ёшга кирганда уни бир хушёр ва донишманд бир муаллимга топширдилар. Илму адабдан мукаммал баҳраманд бўлгач, от чопиш, ўқ отиш ва сипоҳгарлик илми, найза санчишни ўрганди.

Муҳаррам ал-ҳаром ойи, ашуро кунида ҳижрий 1121/1709 йил 23 мартда Ашурмуҳаммадхон фоний оламдан уқбо оламига рихлат қилди. Кўмиш маросимларни бажариб бўлгандан сўнг кўшин аҳли ва раъият иттифоқлашиб бирга Шоҳрухбекка аҳд-паймон қилдилар. Ҳукумат тахтига ўтириб у мамлакат бошқарувида янги ва яхши қоидаларни жорий қилди. Фарғона мулки унинг даврида раванк топиб, жуда тараққий қилди. Фарғона мамлакатининг аксар ҳокимлари ва сардорлари, кўшин амирларини ҳам алмаштирди, ҳар бир мансабда ишбилармон ва доно кишиларни тайинлади. Кўшиндаги вазифалар ва амалларни кўпайтириб, имкон борича ҳарбий қурул ва аслаҳалар билан таъминлашга саъй ва кўшиш қилди. Энди мустақил ҳукм суриш учун ҳаракатларни бошлади. Унинг аждодлари Бухоро хонларига тобе эдилар. Танга ва хутбаларда ҳам аввал уларнинг номлари ўқилар ва зарб этиларди. Шоҳруххонга навбат келганда Бухоро хонлари номини танга ва хутбадан чиқариб ташлаб, имом хатиблар хутбани Шоҳрух номидан ўқий бошладилар. Тангалар ҳам унинг номи билан зийнат топди. Қўқон шаҳрини бино этиб салтанатининг пойтахтига айлантди. Хайрия ишларга қўл уриб мадраса ва масжидлар қурдирди. Шаҳарнинг жанубида бир олий қаср барпо этди, уни ҳозир Тефа қўрғон дерлар. Ўша баланд қасрдан ҳозир нишона ҳам йўқ. Маснавий:

Басо қасри олий ки гашта хароб,
Нишоне намонда аз он жуз туроб.
Ба олам намонад ба жуз номи нек,
Ки дар номи нек аст анжоми нек.
[Қанча олий қасрлар хароб бўлган,
Улардан нишона фақат тупроқ қолган.
Оламда яхши номдан бошқаси қолмайди,
Яхши номда яхши якун бўлади.]

Шоҳруххон ҳукмронлиги пайтида Намангон⁶⁶⁴ аҳолиси ва ул маконнинг ёмонлари бош кўтариб ёғий бўлдилар. У бундан хабардор бўлиб, бир гуруҳ *баҳодир*⁶⁶⁵ лари ва узангиси аҳли билан ўша томонга бориб, ул душманларга жазо бериб, бир ақлли ва тадбирли ҳокимни қўйиб қайтди.

Шоҳруххон ўз вилояти ва ҳукуматини шундай қаттиқ қўлга олган эдики, ул айёмнинг бирор-бир қайсар кишиси унинг чизган хатидан чиқмас эди, бирор-бир бузғунчи ва золим киши бош кўтарса сиёсат ўроғи билан илдизини шундай кўпориб ташлар эдики, қиёматгача бошини кўтаролмас

⁶⁶² Милодий 1656 йили 23 июль – 21 август.

⁶⁶³ Муаллиф қўлёзмасида кейинги бобга қадар 50 бетгача саҳифалар бўш қолган. Котибнинг қайди.

⁶⁶⁴ Намангон/Наманган – Фарғона водийсида жойлашган шаҳар. Наманган вилояти маркази.

⁶⁶⁵ Баҳодир – ботир, мунтазам кўшиннинг аскарлари.

эди. Унинг сиёсати камолга етган, адолати муътадил бўлган эди. Шохруххон Фарғонани бегоналар итоатидан чиқарган ва озод этган хондир. Фарғона хонлари ўзларининг мустақил ва янги давлатларини Шохруххон давридан бошлаб ҳисоблайдилар. Шунинг учун уни Фарғона хонларининг биринчиси деб санайдилар. Шохруххон халқ билан шундай муомала ва муносабатда бўлдики, кўшин ва раъият ундан шоқир ва рози бўлиб, ўзи маҳбубларига айланди. У Бухорога кўшин тортиб уни ўз итоатига олиш орзусида эди. Бироқ умри унга вафо қилмади. Ҳижрий 1134/1721–22 йили борлик оламидан боқий жаннатсаройига кўчиб кетди. Унинг вафотига замона шоирлари марсия ва таърихлар битганлар. Жумладан шу бир байт билан кифоят қилинди.

Инчунин гуфто хирад таърихи фавти шоҳи дин,
Факти реҳлат хон Шохрух шуд аз атрокон жудо.
[Ақл шоҳи дин вафоти тарихини деди:
Риҳлат вақтида Шохрух турклардан айрилди].

Отаси даврида Андижонда ўн йил ҳукм сурди. Падари бузруквори вафотидан кейин ўн уч йил ҳукмронлик тахтида қарор топди. Айтишларича у ўрта қоматли ва жуссали бўлиб, хулқ атвори мулойим, либос ва таомда қаноатли, еб-ичишда ўзини кўшин аҳли билан тенг тутарди. Шундай оддийлиги билан маҳобат ва саховати бурунги хонлардан ортиқ бўлган. Ундан учта бахтли фарзанд қолди. Биринчиси Абдурахимхон, ўртанчаси Абдулкаримхон ва учинчи ўғли Шодибек. Никоҳида фақат ўғилларининг онаси Тожи Нисо деган аёл бўлган. Қизи бўлмаган.

АБДУРАҲИМХОН САЛТАНАТИНИНГ АҲВОЛИ ВА КАЙФИЯТИНИНГ ЗИКРИ

13 раби ал-аввал ҳижрий 1134/1722 йил 1 январ хонликтаҳти унинг вужудидан зеб-зийнат топганида у отаси қолдирган расм ва қонунларни давом эттириб шу йўл ва равишдан бора бошлади. Кўшин тартиби ва ишига, ҳарбий асбоб ва жиҳозлар билан лашкарни таъминлашга янада кўпроқ аҳамият берди. Жулусидан икки йил ўтгач, катта кўшин билан Ўратепа итоатида бўлган Хўжанд ва Истаравшан⁶⁶⁶ томонига черик тортди. Учунчи куни тонгда Хўжандга келиб, арқон ва нарвонлар билан *баҳодир*лари шаҳарга кирдилар. Дарвоза посбонларини ўткир қиличлар дамидан ўтказиб, йўқлик оламига жўнатдилар. Бутун лашкар шаҳарга кириб, ҳоким ўтирадиган ички қалъага юзландилар. У ернинг *волий*⁶⁶⁷си Оқбўтабек кечаси билан пари юзли хужандлик қизлар билан мажлису базм қилиб, хуршидюзли соқилар кўлидан қизил шароб ичиб, ҳушдан кетгунча маст, ғафлат уйқусида ётар эди. Жанг ноғораси ва уруш найи овозидан уйғониб, қиёмат кунига ўхшаган ҳолатни кўрди-да, қармоққа тушган балиқдек талвасага тушиб, уруш либосини кийиб хос мулозимлари билан отда бирор-бир бурчакка чекинмоқчи бўлди. Хўқанд лашкарининг муқаддимаси етиб келиб уни асирга олдилар ва Абдурахимхоннинг нусратасар назаридан олиб ўтдилар. Хон уни барча кўчу қуронлари билан Ўзганд қалъасига юборди. Уч йил ўтиб у ўз табиий ажали билан у ерда вафот этди.

Хўжанд шаҳри ва унинг атрофи Аллоҳ инояти билан забт бўлгач, лашкарнинг бир қисми хоннинг шоҳона лутфи ила ижозат олиб, ғолиб ватанга қайтди. Хон укаси Шодибекни кучли лашкар билан ул вилоятда қолдириб қайтди. Бу ишлардан бўшагач, қиш мавсуми кирди ва қору ёмғирнинг кўплигидан лашкарнинг аҳволи танг бўлиб, улар Хўқандга қайтарилди ва Ўратепа билан Самарқандга юриш қулай фурсат киргунча орқага сурилди.

Қишда хон адлу инсоф билан ҳукм суриб, баҳор киргани билан Ўратепа ва Самарқанд юриши бошланди. Қуёш Савр бурж⁶⁶⁸ига кирганда зафар келтирувчи кўшин билан мазкур вилоятларнинг забти учун азм этилди. Йўл ва манзиллар босиб ўтилгач кўниш нури Хўжандда ёйилди. Укаси Шодибек кўшин амирлари билан унинг кўринишига чиқдилар ва марҳаматлар кўриб, бирга Ўратепага келиб тушдилар. Лашкар амирлари қалъани олиш учун фармон олдилар. Зафарли лашкарнинг *баҳодир*лари қалъа атрофига асбоб ва ускуналарини келтириб, ҳар куни мардлик

⁶⁶⁶ Истаравшан – Истаравшан/Усрушона – тарихий-жуғрофий ҳудуд сифатида Жиззахдан Хўжандгача бўлган жойлардан таркиб топган эди.

⁶⁶⁷ Волий – вилоят ҳокими, нойиб.

⁶⁶⁸ Бурж – йилдаги 12 ой (бурж) – Ҳамал (Кўй – 22 март – 22 апрель), Савр (Хўкиз), Жавзо (Эгизаклар – 23 май – 24 июнь), Саратон (Қисқичбақа), Асад (Шер), Сунбула (Кўлида бошоқ ушлаган қиз), Мезон (Тарози), Акраб (Чаён), Қавс (Ўк ёй), Жадий (Эчки), Далв (Челак), Хут (Балиқ – 20 февраль – 22 март) буржларини осмон табақалари ҳисобланган еттита сайёра – Ой (Қамар), Уторид (Меркурий), Зухра (Венера, Нохид), Куёш, Миррих (Марс, Баҳром), Муштарий (Буржис, Юпитер, Саъди Акбар), Зухал (Сатурн) каби сайёралар мазкур буржларни маълум бир даврда босиб ўтадилар, жумладан, Ой уларни бир ой ичида босиб ўтади. Сайёралар бахт, уруш, ёмонлик сингари рамзларга ҳам эга.

жанглари кўрсатардилар. Ўратепанинг *волийси* Муҳаммадраҳимбек, *йуз* қабиласи⁶⁶⁹нинг бошлиғи ўзида қаршилик кўрсатиш тоби йўқлигини фаҳмлаб, бир кечада Ўратепа қалъасининг ғарбий дарвозасидан чиқиб Ҳисор⁶⁷⁰ тарафига Шодмонбек ва Муҳаммадаминбеклар қошига қочиб кетди. Ўратепанинг қозилари ва улуғлари омонлик тилаб, кўп тухфалар ва хазина билан келиб салтанат паноҳининг мулозимларига қалъани топширдилар. Подшоҳлик марҳамати ва қимматбаҳо кийимлардан баҳраманд бўлиб, шодмонлик билан ўз маконларига қайтиб, раъият ва аҳолига омонлик етканини хабар бериб, тинчланиб хотиржам бўлдилар.

Фозилбек ибн Содикбек у ерда ҳоким этиб қўйилди. Хон бу ердан нусрат келтирувчи ҳаракат узангисини Самарқанд томонига бурди. Манзиллар босиб ўтгач у ўлкага кириб бориб қамални бошлади. Ул вақтда Бухоро хони аштархонийларнинг сўнгги вакили Абулфайзхон⁶⁷¹ эди. Унинг қўлидан қудрат ва истиқлол кетган, давлати ва ҳукуматига вазири Ҳакимбий *манғит*⁶⁷² эга чиқиб, барча мансаб ва амалларни, кирим ва чиқимларни ўз фарзандлари ва қариндошларига топширган эди. Мамлакатнинг энг муҳим ишларини ўзи ҳал этарди. Манфаат эшиклари бошқалар учун ёпиқ эди.

Кўшин бошлиқлари ва раъият бу сабабдан хафа бўлиб, баъзилари ўзларини олий мақом вазирлик мансабига, баъзилари *садр*⁶⁷³ ва сардорлик амалида ўзларини Ҳакимбий *манғит*дан кўпроқ лойиқ ва авло деб билардилар ва унга итоат этишдан воз кечиб, ҳар бири ўз мақомида қолиш учун ҳаракат қилардилар. Ҳакимбийнинг илтимос ва даъватларини қабул қилмай Бухорога келишдан бош тортардилар. Аштархоний хонларининг давлати инқирозга дуч келганидан Абулфайзхон бу бедавлатлар расму одатидан хафа бўлиб, ҳукм суришдан ҳам кўнгли қолиб, ов қилиш, базм ташкил этиш билан машғул эди. Мамлакатнинг барча ишларини Ҳакимбий *манғит* қўлига бериб, ўсимлик у ёқда турсин ҳатто гулга қиё бокмасди.

Ўша вақтда Абдурахимхон Хўқандий қамалдан кейин Самарқандни қўлга киритгач, лашкаридан бир гуруҳини ажратиб олиб, илғор этиб Каттакўрғон⁶⁷⁴ни ҳам забт этди. Бу жойларни ўз тасарруфига киргизиб, энди Бухоро сари таважжуҳ қилмоқчи эдики, Ҳакимбий *манғит* «агарда Абдурахимхон Хўқандий Бухорога келиб уни қамалга олса, ундан норози бўлган ва қарши бўлган ҳоким ва сардорлар унинг тарафига ўтиб, Бухорони эгаллаб, *манғития*⁶⁷⁵ни ўртадан йўқ қиладилар ва

⁶⁶⁹ Йуз/юз қабиласи –Ўратепа шаҳри, Зомин, Бахмал, Булонғур атрофи билан биргаликдаги ҳудудда жойлашган кучли қабила бўлган. Улар қирқ қабиласи билан бирга ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири. Тарқоқ ҳолда Самарқанд атрофида, Панжикентнинг жанубида, ҳозирги Ғаллаорол, Жиззах, Зомин ва Ўратепа ҳудудларида яшаганлар. Қирқ уруғи кўпинча юзлар билан аралашган ҳолда яшаганлар. Шунинг учун ҳам кўпгина манбаларда “қирқ юз” номи билан ҳам маълум. Қирқ, юз ва минг қабилалари марка деган умумий ном билан аталган. Қирқларнинг этногенези Дашти Қипчоқ ўзбеклари билан боғлиқ. Қирқлар ўтмишда бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари: оқ-қўйли, қора-қўйли, қора-сирак, қорача, олмаса-ун, чапарашли ва б. Улар XX асрнинг бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, чорвачилик билан, бир қисми тоғ ён бағрида, адирларда яшаб, лалмикор ва суғорма дехқончилик билан шуғулланишган.

⁶⁷⁰ Ҳисор, Ҳисори Шодмон – араб манбаларидаги Шуман. Хонақо дарёсининг Кофарниҳонга қуйилши жойида барпо этилган шаҳар.

⁶⁷¹ Абулфайзхон – Абулфайзхон, аштархоний. Бухорода 1711–1747 йиллари ҳукм сурган.

⁶⁷² Ҳакимбий манғит – Ҳакимбий оталиқ бин Худоёр ибн Худойқулибий ибн Келдиёр ибн Човушбий манғит. Шаҳрисабз ва Қашқадарё манғитларининг бийларидан. 1843 йилгача Абулфайзхон аштархонийнинг оталиқи.

⁶⁷³ Садр – вақф мулкларининг нозири. Саййид ва хожаларга бериладиган унвон ва амал.

⁶⁷⁴ Каттакўрғон – Бухоро Миёнқолидаги асосий қалъа ва маъмурий марказ бўлган. Самарқанд вилоятидаги шаҳар.

⁶⁷⁵ Манғит/манғития – Манқит/манғитлар – йирик қабилалардан бири. Ўзбекистон ҳудудида Бухоро воҳаси ва Қарши атрофида, Зарафшоннинг қуйи оқимида, ўрта оқимида, Чоржўй туманида, Жиззахда, Хоразмда яшаган. Минглар қорақалпоқлар ва Шимолий Кавказдаги нўғайлар таркибида ҳам бўлган, бир қисми эса Шимолий Афғонистонда яшаган. Ўзбекистонда яшовчи минглар бир қанча йирик ва майда уруғларга бўлинган. Энг йириклари: оқ манғит, оч манғит, қора манғит, чала манғит, бойгунди манғит. Булардан ташқари темирхўжа, исобой, гаулак, кўса, тоз, қорабайир, бақирчи, кула, тамғали, манғит қозоқ, ўн икки чўқай, гала ботир, бешкал, чобакчак, уз, уволай ва б. Манғитлар Бухоро хонлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Бу қабила Қашқадарё вилоятида ҳам кучли ва ҳукмрон қабилалардан бирига айланган. 1753–1920 й.ларгача Бухорони идора қилиб келган хонлар манғитларнинг тўқ уруғидан бўлган, шу сабабли хонликда катта имтиёзларга эга эдилар. Мазкур сулоланинг намоёндалари аввал Бухорода оталиқлик мансабини қўлга олганлар. Кейинчалик чингизий хонларни тахтдан тушириб, ҳокимиятни ўз қўлларига олишган.

Аслида манбада тилга олинган манқит/манғит, минг, юз, кўнғирот каби ўнлаб туркий уруғларнинг келиб чиқиши Дашти Қипчоқда Жўжихоннинг набираси Ўзбекхон Султон Муҳаммад (тахм. 1282–1342) – Олтин Ўрда хони (1312–1342) Мангу Темурхоннинг набираси номи билан боғлиқ. Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми (жанубий-ғарбий Сибир)да Абулхайрхон асос солган (1428) давлат ва унинг аҳолиси “ўзбек улуси” дейилган. Пойтахти – Чинги-Тура (ҳоз. Тура) шаҳри. 1428–1446 йилларда ўзбек улусига Орол денгизининг шимолий қирғоқларидан Иртиш дарёсининг ўрта оқимларигача, шарқда Сарису ва Чу дарёларида ғарбда Ёйиқ (Урал) дарёсининг сўл соҳилларигача бўлган ерлар қараган. Ўзбек улуси уруғ-қабилачилик муносабатлари асосида барпо этилган. 92 бовл (эл-улуси)дан иборат кўчманчи мусулмон туркий халқларни Марказий Осиёда “ўзбек” номи остида тилга олишган ва 1924 йилдан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон ана шу халқ номи билан атала бошлади. Шунинг учун мазкур асарда муаллиф “ўзбек” номи остида тилга олган аҳоли Ўрта Осиёдаги ана шу уруғ вакилларини билдиради. Бу ва бошқа тарихий асарларни ўқиганда “ўзбек улуси”ни ҳозирги ўзбек миллати билан адаштирмаслик лозим.

Абулфайзхонни ўз мустақил мақомига қайтарадилар», деган мазмунни тушунди. Бухоро аҳолиси ўртасида шундай овоза тарқатилган эдики, Хўқанд хукмдори *мангития*га қарши келмоқда ва бошқаларга иши ва даъвоси ҳам йўқдир.

Ҳакимбий *мангит* уддабурон бир киши эди, воқеа иложини олдиндан топиш кераклигини билиб, Бухоронинг уламо ва саййидларини кўп тухфа ва ҳадялар билан Самарқандга юборди. Хоннинг яқинлари ва мулозимларига ҳам анча тухфалар бериб юбориб сулҳ занжирини ўртага ташлади. Улуғ олимлар, саййидлар ва икки тараф амирлари бир неча кун сулҳ учун музокара ва мунозаралар олиб бориб, куёш Мийзон буржида бўлган вақти, сана 1144/1731–1732 йили қуйидаги шартлар билан сулҳ имзоланди. Самарқанд ва Каттакўрғон барча тобиоти билан Абдурахимхон Фарғонийга ўтади. Бу жойлар Фарғона мулки таркибига киради ва Бухоро хони тарафидан уларга даъво этиши ҳеч қачон жоиз бўлмайди. Фарғона хукмдори шуларга қаноат қилиб, Каттакўрғондан бир қадам ҳам олдинга силжимаслигини тан олиб, икки тараф улуғлари ва аъёнлари ҳузурида муҳр ва имзолари билан аъхдномага зеб-зийнат берди. Бухоро хони ва Фарғона хукмдори ҳам сулҳни мустаҳкамлаб, Бухоро элчилари ва саййидлари, уламо билан бирга қайтиш учун рухсат олдилар. Шоҳона эҳсон ва инъомларга эга бўлиб, хурсанд ва мамнун ўз мамлакатларига қайтдилар. Бу ишларнинг тартиби ва низоми тугагач Самарқандда шавкатпаноҳли даргоҳнинг мулозимларидан Энақули *додхоҳ*⁶⁷⁶ни ҳоким ва Мулло Бечора деган бир кишини *қози* ва *садр* этиб тайинлаб, қалъада ҳам бир қутвол қўйиб Шаҳрисабзни босиб олиш учун ҳаракат қилинди. Нусрат келтирувчи лашкар шу тарафга ҳаракат бошлади.

Шаҳрисабз *волийси* Ҳакимбек [*мангит*] бир хушёр ва уйғоқ киши эди. Самарқанд фатҳ этиши, бухороликларни хўқандликлар билан сулҳ ахдномасини имзо қилганларини эшитгани заҳоти доно арбоблари билан машварат қилиб, сўзамол элчиларини танлаб, жуда кўп тортуқ ва тансуқот билан бир муборакнома ёздириб юборди. Шу билан эл бўлгани ва итоатини маълум қилди. Шаҳрисабз *волийсининг* элчилари кўкка етадиган саройга келиб, хоннинг яқинлари орқали унинг қўлини ўпиш бахтига муяссар бўлдилар. Ожизлик ва бўйсунуш билан элчилик расмини бажардилар. Хоннинг шоҳона раҳмдиллиги жуш уриб, уларга эҳтиром кўрсатди, кўп эҳсон ва инъом бахшида этиб, улар орқали Ҳакимбек валинаъми учун жавоҳир ва дурлар билан безатилган мурассаъ қилич ва камарлар бериб уларни қайтарди. Ўзининг зафарли узангиси мулозимларидан бўлмиш Абдулжаббор туқсобани улар билан бирга Ҳакимбек валинаъмининг энг катта акаси Иброҳимбек валинаъмининг жуда гўзал ва замонанинг сараси бўлган қизига совчилик учун юборди.

Элчилар келишидан Ҳакимбек хабардор бўлиб, вилоятнинг аъёни ва ашрофини истиқбол учун буюрди. Эъзоз ва икром, ҳурмат билан яхши жойлар тайинлаб, зиёфат ва меҳмондорчилик расмини бажо келтирди. Совчилик хабарини эшитиб, бундай қариндошликдан хотири шукуфон бўлди. Кучи етгунча қимматбаҳо мато ва ақмишалар, кўз кўрганда ялтирайдиган дуру жавоҳирдан жуда кўп ҳадялар билан, ўша даврда ҳеч ким кўрмаган ва эшитмаган дабдаба ила мўътабар яқинларини, кабира аёлларни қўшиб Ойчучукойим бинт Иброҳимбек валинаъмини Самарқандга Абдурахимхон ҳузурига юборди. Хусумат ва душманлик шундай қариндошлик билан якун топди. Абдулжаббор туқсоба олдинроқ Фарғона хони ҳузурига келиб, замона Билқиси келаётгани хушxabарини етказган эди.

Хон ашроф ва зодагонларини бориб уларни кутиб олиш ва нусратли ўрдуга олиб келиб, шоҳ харамсаройига киритишлари учун буйруқ берди. Олий фармонга биноан ул замона Зулайхосини шон ва шавкат, катта иззат ва ҳурмат билан давлат саройи бўлмиш амирлик қасрига туширдилар. Ҳокимлар, маъмур ва саркорлар бир подшоҳона зебу зийнатли тўйни камолига етказиб бошладиларки, бу ўтиришда турли туман таомлар, шарбатлар, мевалар, қушлар гўшти кўп ва сероб ҳолда муҳайё эди. Маснавий:

Чунон базми шоҳона бунёд кард,
Равони Жам аз хештан шод кард.
Зи нуин шаҳзодагон ҳар тараф,
Нишаста ба пойи зар пеши саф.
Бузургони бо дониш аз ҳар гуруҳ,
Расида дар он мажлиси бо шукуҳ.
Ба ҳар гўша ромишгару мутрибон,
Ки дар фани мусиқи бисёрдон.
Ба илҳони хеш нағмае ғамзудо,
Навоҳои жонбахш карданд адо.

⁶⁷⁶ Додхоҳ – дод, адолат истовчи. Саройдаги амалдор. Барча ариза ва сўровларни хон (амир)га етказиб, жавобини олиб чиқадиган шахс. Маҳаллий ҳокимларга ҳам кўпинча шу унвон берилган.

Зи ҳар гуна асбоб дар бе ғами,
 Дар он базми оли набуда яке.
 Бар он жашн ҳар кас ки пайваста буд,
 Зи ғамҳойи даври замон раста буд.
 Нишоту тараб ончунон жўш кард,
 Фалак фитнажўйи фаромўш кард.
 [Шундай шоҳона базм барпо қилдики,
 Жамшид арвоҳини ҳам ўзидан шод қилди.
 Нўёну шаҳзодалар ҳар тарафдан,
 Келиб олд сафда турдилар.
 Улуғ донишмандлар ҳар фандан,
 Келдилар бу улуғ мажлисга.
 Ҳар тарафда мусиқачи ва мутриблар,
 Мусиқа илмида билимдонлари.
 Ўз овозлари билан турли навода,
 Жонбахш этиб, қайғуни йўқ қилардилар.
 Ул тантанада ҳар хил мусиқа асбоблардан,
 Барчаси бўлиб, базм қилардилар.
 Бу базмда қатнашган ҳар бир киши,
 Давру замон ғамидан қутулар эди.
 Нишот ва тараб шунча кўп бўлдики,
 Фалак фитнажўйлигини фаромуш этди].

Шоҳона тўй маросими ниҳоясига етгач шавкатли саройда ҳозир бўлган катта ва кичик, улуғ ва оддий аҳолига хусрави замон лутфи билан заррин халатлар, тилло ва кумуш билан безатилган камарлар бахшида этилди. Дини мубин ва пайғамбарлар саййиди суннатига мувофиқ ул ойюзли Билқис⁶⁷⁷ мартабали қизни салтанат чўққисининг қуёши билан никоҳлаб боғладилар. Шу улуғ қизни олиб келган элчиларни катта иззат ва эҳтиром кўрсатиб, саноксиз тухфалар билан Ҳакимбек валинаъми ҳузурига қайтардилар.

Бу ишлардан фориғ бўлгач қайтиш байроғини дору-с-салтанат томонга бурдилар. Бахтиёр хоннинг узанги аҳли қайси бир манзилга келиб қўнмасин, шу ер аҳолисини ўзининг эҳсон ва тухфалари билан шод ва мақсадларига етказиб қўяр эди. Чўл ва саҳроларни босиб ўтгач Кони бодом⁶⁷⁸ мавзеига етиб келганда зафарли ва аъло чодир курмоқчи бўлган бир пайтда, пойтахтдаги амирлар ва давлатнинг уламо ва содоти истиқболга чиқиб хон кўрунишига етиб қўлини ўпиш давлатига етдилар. Хон у жойдан кўчиб катта шавкат билан келиб салтанат пойтахтига қарор топиб, адл ва инсофга машғул бўлди. Фарғона мулки унинг даврида қурилган бино ва иморатлари, қазиган ариқ ва анҳорлари билан обод бўлди.

Ҳижрий 1146/1733 йили қуёш Жавзо буржида (21 майда Жавзо кирган) бўлганида Абдурахимхон Тошканд ва Туркистонни босиб олиш учун катта қўшин билан ҳаракатга тушди. Ул замон Тошканд ва унинг тобиотида Баҳодирхон ҳукмрон эди. Хон Хўжандга етиб келганида мизожи ўзгариб кетиб, тоби қочти. Бадан ҳарорати кўтарилди. Шул аср табиблари қанча уринмасин даво тополмадилар, уринишларидан фойда бўлмади. Давлат устунлари ва хоннинг ака-укалари дарвешлар ва узлатда ўтирган кишиларга назру ниёз, садақалар улашиб, улардан дуо тиладилар - натижа бермади. Маснавий:

Гар қазо ояд табиб аблах шавад,
 Он даво дар нафси худ макруҳ шавад.
 Аз қазо исканжабин сафро фузуд,
 Равғани бодом хушки менамуд.
 [Қазо етганда табиб аблах бўлади,
 Дори-дармон ҳам фойда келтирмайди.
 Қазодан исканжабин аксинча сафрони кўпайтиради,
 Бодом ёғи эса димоғни қуритади].

Ўлим шарбатини фазо табиби кўлидан ичиб, бу бевафо жаҳондан кўз юмди «Алабатта биз Аллоҳнинг [бандаларимиз], ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз»⁶⁷⁹. Шариат одоби бўйича

⁶⁷⁷ Билқис – Сулаймон пайғамбарнинг аслида ўзининг ҳам бошқа бир давлат подшоси бўлган хотини.

⁶⁷⁸ Конибодом – Хўжанд-Қўқон йўлида жойлашган шаҳар. Ҳозир Суғд вилояти (Тожикистон)даги туман маркази.

⁶⁷⁹ Қуръони карим, 2:156.

кафанлаб Хўжанд мамлакатада барчанинг иштирокида катта шавкат ва ҳурмат билан кўмдилар. Замона фозиллари унинг вафотига марсиялар ва таърихлар битган. Улардан бири мана шу:

Бирафт хони замон ба сўйи жаннати ризвон,
Ҳазору як саду чилу шаш маҳи шаъбон.
[Замона хони кетди жаннати ризвон сари,
Минг бир юз қирқ олтинчи йили шаъбонида].

Умри ўттиз олти ёшда, салтанати ўн икки йил. Отаси замонида саккиз йил Андижон билодида ҳоким эди. Унинг мазори ҳозир ислом аҳлининг зиёратгоҳига айланган. Айтишларича у дўлвар (гавдали), қад-қомати баланд, буғдойранг, истараси иссиқ киши бўлган. Зеб-зийнат, такаллуф, яхши еб-ичиш ва кийинишни яхши кўрарди. Еб-ичиш ва ошхона жиҳозларини тилла ва кумушдан ясаттирган эди. Шижоатли, саҳий, кибр ва ҳаволи бўлиб, унинг ҳузурида ҳеч-ким ижозатисиз сўз айтолмасди. Аллоҳ гўзаллиги жойи бўлган кўшин ва раъият ундан кўрқувда эдилар.

Ундан бир ўғил Эрдонабек ва учта қиз Ойжон ойим, Хуршед ойим ва Зебуннисо ойим қолди. Иккита хотини бўлган: Шарафнисо ойим Абдуллоҳбек *минг*⁶⁸⁰нинг қизи ва Ойчучук ойим шахрисабзлик Иброҳим *кенагас*нинг қизи. Унинг зикри юқорида бўлди. Эрдонабек, Хуршед хоним ва Зебуннисо хоним Шарафнисодан таваллуд топгандилар. Ойжон хоним эса Ойчучук ойимдан оламга келган.

Хотинлар номидан кейин ойим сўзи ёзилса уни хоним деб тушунмоқ керак. Бу ўлкада хон ва амирларнинг хотинларини ойим лафзи билан кўшиб айтиш расмдир.

БАХТ ЁР БЎЛГАН АБДУЛКАРИМХОН ИБН ШОҲРУХХОН ЖУЛУСИННИНГ ЗИКРИ

Абдурахимхон фирдавсмаконнинг вафотидан сўнг давлат амирлари ва миллат улуғлари иттифоқлашиб Абдулкаримхонга аҳд-паймон қилиб, итоатига келдилар. Салтанат тожи унинг муборак бошида янги зеб ва зийнат топди. Адл ва инсофга кўшиш этиб, салтанати овозаси узоқ ва ёвуқ жойларга тарқалди. Элчилар ва муборакномалар атроф ҳукмронлардан келар ва шоҳона лутфу марҳаматлардан масрур ва шодмон бўлиб қайтишарди. Акаси Абдурахимхон тайинлаган вазир ва амирлардан биронтасини ўз ўрнидан олмади, акаси ва отаси хизматкорларни ҳурмат қиларди. Тефа кўрғонда бўлган хон қасриким, падари бузруквори Шоҳруххон бино этган эди, акаси Абдурахимхон ворисларига қолдириб, ўзи Қўқоннинг Кўктунлук маҳалласида бир олий қаср бино этди. Атрофида дилни очадиган боғ барпо этди. Қаср ва боғ атрофидан барча вазир ва умарога ер тақсим бериб, ҳар бирига ҳоли ва кудратига яраша ҳовли ва жойлар тарҳини тузиб, солдирди. Муътабар надим ва сипоҳийларга ҳам ажойиб иморатлар шу ерда қуриб, гуё бир янги шаҳр бино этди. Унинг таъриhini бир фозил шундай берган:

Хирад [дар]таъмири қасри хони одил,
Ба таърихаш рақам зад «Мазҳаробод»⁶⁸¹.
[Хирад хони одил қасри таърихига,
Деди у «Мазҳар обод»дир].

Шундай бир вақтда Хитой хони Кошғар⁶⁸² вилоятига катта лашкар юборди. Бу вилоятда ҳукмронлик қилаётган Махдуми Аъзам Мавлоно Хожаги Косоний⁶⁸³ авлодидан бўлмиш Ойхўжа ва Кунхўжа⁶⁸⁴ ҳокон кўшини билан урушиб, оқибат нусрат шамоли Хитой кофирлари томонига эсиб,

⁶⁸⁰ Минглар – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Ҳозирги Самарканд вилояти, қисман Фарғона водийси ҳамда Бухоро воҳасида, тарқоқ ҳолда Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод, Денов туманларида, Хоразмда ва Тожикистоннинг Ҳисор туманида яшаганлар. Зарафшон водийсида яшовчи минглар учта йирик уруғга, бу уруғлар, ўз навбатида, яна бир қанча кичик уруғларга бўлинган: 1) туғали (ахмат, чағир, тўйи намоз, оқшиқ ва б.); 2) боғлон (чибли, қора, мирза ва б.); 3) увок тамғали (алғол, чаут, жайли, ўрамас, тўкнамоз, кию-хўжа, ярат) уруғлари. Минглар бошқирдлар таркибига ҳам кирган. Қўқон хонлари минглардан бўлган. Бухоро воҳасида яшаган минглар ҳам Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Хонликдаги муҳим мансабларни мингларнинг бекалари эгаллаб келган. Ўратепа ва Ургут бекалари ҳам минглардан бўлган.

⁶⁸¹ Таърих моддаси 1147/1734 йилни беради. Айрим тарихчилар бу санани Қўқон шахрининг қурилишига нисбат берадилар. Аммо, 1725 йили Флорио Беневени Қўқон катта шаҳарлардан бири экалигини ёзиб кетган.

⁶⁸² Кошғар – Хитойнинг Синьцзян-Уйғур мухтор республикасидаги шаҳар.

⁶⁸³ Махдуми Аъзам Мавлоно Хожаги Косоний – Жалолиддин Махдуми Аъзамий – Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедий, (1463/64–1542)нинг қабри Даҳбед қишлоғидадир. Самарканд ҳокими Жонибек Султон томонидан Самарқандга тақлиф этилган. Ўғли Искандар Султон уни ўзининг пири деб эъзозлаган. Махдуми Аъзам 78 ёшида шу Даҳбед қишлоғида вафот этган.

⁶⁸⁴ Ойхўжа ва Кунхўжа – Оффоқ хўжа ўғиллари – Хон хўжа (Хўжа Яҳё ибн Хўжа Ҳидоятуллоҳ ибн Хўжа Муҳаммадюсуф ибн хўжа Муҳаммадамин ибн Махдуми Аъзам Даҳбедий ва Кун хўжа (Хўжа Бурҳониддин)лар назарда тутилмоқда.

умидсизлик хўжаларни эгаллаганда саййидлар Кўҳистон⁶⁸⁵ паноҳ йўли орқали Бадахшон⁶⁸⁶ музофотига чекиндилар. У ернинг аҳолиси дунё молига алданиб, Хитой ҳукмдорларидан кўп ёмбилар олиб хўжаларни Хитой кофирларига тутиб бердилар. Динларини бевафо дунё молига сотиб, ўзларини дузах оловига ташладилар.

Хўжаларнинг бир садоқатли мулозимлари уларнинг аёллари ва бола чаққаларини яширин бир йўл билан Бухорога олиб келибди. Шул вақтда тотор куффорлари жавридан кўп мусулмонлар Фарғонага муҳожир бўлиб келдилар. Абдулкаримхон муҳожирлар учун Андижон атрофидан деҳқончиликка лойиқ ер бериб, улар ҳақиға кўп меҳрубончилик ва шафқат кўрсатди. Андижон ва унинг атрофидаги қошғарликлар шуларнинг авлодидан бўладилар. Мисраъ: «Чунин кунанд бузургон чу кор бояд кард» («Керак бўлганда улуғлар шундай иш тутадилар»).

Ўша замонда қалмоқ⁶⁸⁷ кофирлари Жунғориядан чиқиб Яъжуж ва Маъжужга ўхшаб хуруж қилиб, Алмату⁶⁸⁸ тарафидан Туркистонга бостириб кириб, Тошкандгача ерларга эга бўлдилар. Шу билоднинг шарқи ва шимолини ўзларига лашкаргоҳ қилдилар. Истиқомат учун ҳозир Қалмоқ чифган деган мавзени танлаб қалъа қурдилар. Тошканд ҳокими Баҳодирхон Бухорога қочиб кетди ва у ердан Ҳижоз⁶⁸⁹ сафарига (ҳажж учун) кетди.

Тошканд ва унга тобе ерларни босиб олиб, қалмоқ лашкари Кандир давонидан ўтиб, Сангин (деган) қалъани ўровга олди. Абдулкаримхон бу даҳшатли хабарни эшитиб, анча хафа бўлди ва ўз яқинларидан бўлмиш Бобобекни катта қўшин билан Сангин қалъасидаги қамалда қолганлар мадади учун жўнатди. Бобобек тез ҳаракат қилиб Чил маҳрам кечуви орқали Сирдарёдан ўтиб борди. Фарғона лашкари келаётганидан қалмоқлар бошлиғи хабардор бўлиб, қалъа қамалига озроқ қўшин қолдириб, қолган лашкарини олиб ёрдамга келаётган ислом лашкари йўлини тўсиш учун чиқди. Бир пистирмада асосий кучларини биқмоққа қолдириб, юз нафар сарбозни бир тепаликда жойлаштириб, мусулмонлар қўшини яқинлашганда улар билан жангга кириб, устомонлик билан орқага чекиниб, пистирмада ўтирганлар тарафига қочиб келишларини буюрди. Қуёш чиққанидан бир неча соат ўтгандан кейин, ислом лашкарининг муқаддимаси кўринди. Улар ўша жамоа билан учраганда, кофирлар ўзларини мудофаа қилгандек бўлиб, қўққисдан орқага чекиндилар. Ислом қоровуллари орқаларидан таъқиб қилиб, ўша баланд тепаликка етдилар. Кофирлар лашкари пистирмадан чиқиб, уларни паргор нуқтасини ўртага олганидек, ўраб олдилар. Уч юз нафар асир олинди, бирор киши қутула олмади. Бобобек камтажриба бир киши эди. Ҳеч бир нарсдан хабари йўқ эди. У ҳам шу ерга етиб келганида, кофирлар қоровулларини кўриб, бир даста аскарини уларни тутиб олиш учун юборди. Ўзи ҳам уларнинг кетидан юра бошлади. Бистирма жойига яқин келганда кофирлар лашкари икки қисмга бўлиниб, ислом лашкарини ўраб олдилар. Иккала лашкар ҳам тун ярим бўлгунча қаттиқ уруш ва жанг қилишди. Оқибат ислом лашкари мағлуб бўлди. Бобобек аҳли имон билан бирга

⁶⁸⁵ Кўҳистон – Бу ерда Кўҳистон бугунги Тожикистоннинг шимолида жойлашган тоғлар (Қоратегин, Фарм ва Давроз худудлари).

⁶⁸⁶ Бадахшон – Амударёнинг юқори қисмида, Помир ва Олой тоғ тизмаларида жойлашган худуд. Бир қисми Тожикистон республикаси (маркази Хоруғ) ва бир қисми Афғонистон (маркази Файзобод) таркибига кирган.

⁶⁸⁷ Қалмоқлар/Жунғорлар/Ойратлар – Жунғориядаги ўрта аср давлати (1635–1758). Или водийсида яшаётган ойротларнинг чўрос улуси вакили Ботур хунтайжи раҳбарлигида Ёркенд хонлигидан ажралиб чиқиши натижасида барпо этилган давлатнинг асосий аҳолиси. Цеван Рабдан (1697–1727) ва унинг ўғли Галдан Церен даври (1727–1745)да қалмиқлар қайта кучайган. Шу даврда улар Мовароуннаҳр худудларига ҳам бостириб кирган. Улар Цин империяси билан тинчлик алоқаларини ўрнатиш ва ташқи сиёсатдаги фаолликни Фарб томонга қаратиш ҳамда Ёркенд хонлиги устидан ойротлар ўрнатган назоратни кучайтириш сиёсатини олиб борган. Бироқ, Цин империяси Мўғулистонда ўрнашиб олгач, ойратларга қарши кураш бошлаган, жумладан, 1717 ва 1731 йилларда икки марта катта қўшин билан ҳарбий юриш қилган. Аммо, бу юришлар мағлубият билан тугаган. Ойротлар биринчи марта Олтой томондан, иккинчи марта Тибет томондан айланиб ўтиб, Хитой қўшини муқаддимасини орқа тарафдан узиб қўйиш хийласини ишлатиб, кам куч билан катта армия устидан ғолиб чиқиб Цин империяси режаларини барбод этган. Цин ҳукумати ойратлар билан сулҳ битими тузишга мажбур бўлган (1741).

XVIII аср ўрталарида ойрат хонлигида ички зиддиятлар кучайган. Ҳокимият талашувчи кучлар ичида Цин ҳукумати ёрдамида мақсадга эришмоқчи бўлган шахслар пайдо бўлган. Амурсана Цин сулоласи учун мақбул шахс деб топилган. Аммо, у Цин сулоласининг ойратларни бутунлай йўқотишга қаратилган махфий режасидан беҳабар бўлган. 1755 йил баҳорда Цин империяси ойратларга қарши 50 минг кишилик қўшин билан уруш бошлаган. Қўшин авангардига Амурсана бош бўлган. Ойратлар хонлиги йўқ қилинган, лекин Амурсанага тахт берилмаган, у махфий кўрсатма билан Пекинга чақиртирилган. Алданганини билиб қолган Амурсана ўзини хон деб эълон қилиб, Цин салтанатига қарши кураш бошлаган, бироқ мағлубиятга учраб Россия худудига қочиб ўтиб, мусофирликда вафот этган. Жунғорларнинг сўнгги хони Давақи Пекинга олиб кетилиб зиндонга ташланган. Ойратлар хонлиги барҳам топгандан кейинги ички ва ташқи вазият Цин империясига Шарқий Туркистондан нарига ўтишга имкон бермаган. 1758 й. Ёркенд хонлиги ҳам йўқ қилинган. Шундан кейин Ойрот ва Ёркенд хонликлари худудига Цин ҳукумати томонидан ҳарбий-маъмурий тузум ўрнатилган.

⁶⁸⁸ Алмату – ҳозирги Алмати жойлашган худуд.

⁶⁸⁹ Ҳижоз сафари – Арабистондаги Макка ва Мадинага ҳажж ва зиёратга бормок.

захмдор ва мажруҳ асирга тушди. Баъзилар шаҳид бўлдилар. Қолганлар қочиб қутулишни ўзларига ғанимат кўришди.

Қалмоқлар бошлиғи асирга тушган аҳли исломни шаҳодат даражасига етказди. Бобобекни эса занжирбанд ҳолда Тошкандга юборди. Куффор аҳли кетгач шу жойга яқин қишлоқ аҳли келиб шаҳидларга жаноза ўқиб дафн этдилар. Шу мавзени ҳозир Шаҳидон дейдилар. Катта бир қишлоқ бу ерда бино бўлган.

Содир бўлган воқеани Сангин қалъасида қамалда бўлганлар эшитиб, қалъани қалмоқларга топшириб салтанат пойтахтига шошдилар. Бу нохуш хабар Абдулкаримхонга етиб борганда, чексиз қайғуриб мамлакатнинг барча жойларига хабарчилар жўнатиб, ҳокимлар ва амирларни ўз лашкарлари билан ҳузурига чақириб, ғазот ва жиҳодга даъват этди. Ислом қўшини жамъ бўлгунга қадар кофирларнинг сон-саноксиз лашкари Сирдарёни кечиб ўтиб, Хўжа Туроб мазори яқинини ўзларига лашкаргоҳ қилдилар. Эртаси улар Қайнар чашма (Қанар булоқ) га келиб қўниб, бу наҳс қўшиннинг муқаддимаси эса Говхона, ҳозир Мўйи муборак номи билан машҳур бўлган қишлоққа бостириб кириб бир қисм чорво ва молу мулкларни толон-тарож ва хароб этдилар. Шу аснода Ўратепа *волийси* Фозилбек ибн Содиқбек *йуз* Ўратепадан, хоннинг биродари Шодибек Марғинондан, хоннинг қариндошларидан бўлмиш Дўстқулибек *баҳодир* Андижондан, Абдуллоҳбек Намангондан ўз сипоҳлари билан даста-даста келиб, хон кўриниши ва зафар келтирувчи хон назарига мушарраф бўлдилар. Хон «ҳар бир ишда машварат қилингиз», деган оят мазмунига амал қилиб, машварат мажлисини йиғди. Ислом лашкарини саккиз гуруҳга бўлиб, тўртасини душманни тўрт тарафидан ҳужум қилишга юбориб муҳораба ва жиҳод қилишга, қолган тўрт гуруҳ эса зарурат тушганда уларга мадад бериш учун шай ва ҳозир бўлиб туришларига қарор қилинди. Бу фикрни Абдулкаримхон ҳам маъқуллаб, саккиз гуруҳли қўшин бошқарувига Дўстқулибек *баҳодир минг* ва Фозилбек *баҳодир йуз*ни тайинлади. Ислом лашкарининг қолган қисми бошқаруви Шодибекка берилди. Хоннинг ўзи уламо ва солиҳ кишилар билан давлатхонада қолиб «Фатҳ» сурасини ўқиб, Аллоҳ даргоҳидан ғалаба ва зафар тилаш учун қолди.

Ислом қўшини амирлари тонг саҳар лашкарни саф тортиб, куффор лашкарига қарши муҳорабага шошдилар. Мусулмонлар ислом душманига қарши жиҳод уруши оловини ёқиб, унинг шуъла ва алангасини янада кўтардилар. Қалмоқ кофирлари ҳам ўз жойларидан ҳаракатга келишлари билан қаттиқ уруш ва муҳораба бошланди.

Шул маҳалда Абдулкаримхон вужудида сабр-тоқат қолмай, йиғлаб шаҳарда қолган яна бир гуруҳ лашкарни йиғиб тартибга солди-да, ўзи жангга киришмоқчи бўлди. Вазирлар ва уламо уни бу ишидан қайтариб, «яхшиси ислом ғозийлари ва ҳомийларини Марғинон ҳокими Шодибекка бериб урушга юборинг, хоннинг шариф вужудларига эҳтиёж тушсагина ўзлари жангга боришлари мумкин», дея арзига етказиб, қайтардилар.

Маслаҳатга амал қилиб лашкарнинг қолган қисмини икки гуруҳга бўлиб, бирини Шодибекка топшириб, ғозийлар мадади учун юбордилар. Иккинчи гуруҳни хон олдида сақлади. Шодибек муҳораба майдонига урушнинг энг қизиган вақтида етиб келиб, зафар паноҳи лашкар амирларига хабар бериб, уларнинг ишрати билан жангга киришди.

Кофирлар қўшини сони ислом сарбозларидан уч карра кўп бўлганидан, уларнинг ўқчи ва камончилари мусулмонларни ўққа тутиб, уларни ўзларига яқинлашга ҳам қўймасдилар. Бинобарин муҳораба мушкул ва қийинчиликдан холи эмасди. Ислом амирлари хон ҳузурига чопар юбориб уни пойтахт тўфангчилари билан бирга ёрдамга чақирдилар. Қосид шаҳарга етиб келиши билан хон барча тўфангчиларни ўзига олиб, лашкар қўнган жойга ҳозир бўлиб, ўқчиларини душман камончиларига қарши тутиб ул малъунларни милтиқ зарби остига тутди. Кўпларини жаҳаннам тубига юбора бошлаганида, қалмоқлар жуда танг аҳволга тушиб, муҳораба майдонидан қоча бошладилар. Шу заҳоти мусулмон лашкари суворийлари қўққисдан кофирлар сафига от чоптилар. Султонлик уруши бошланди. Жанг маъракасидан буруқсаётган чанг ва ғубордан ёриқ кун тунга айланди. Ислом ҳомийларини қалмоқ аскарларидан фақат «Аллоҳ акбар» дейишлари билан ажратиш мумкин эди. Аллоҳнинг лутфи билан ўшал кун ислом лашкари орқасидан бир қаттиқ шамол эсиб, урушдан кўтарилаётган чангни қалмоқлар чериги юзига уриб, кўзларини кўр қилиб, ул бузғунчи жамоани қичатиб қўйди. Имон аҳли бу воқеани ғалабалари учун бир аломат деб билиб, кофирлар қўшинига қарши янада шижоат ва собитқадамлик билан чиқиб, сафларини ёриб малъунларни дўзах оловига юборардилар. Ўшал куни Абдулкаримхон шахсан урушда қатнашиб, шариф зоти билан жанг ва жиҳодга раҳбарлик қилиб, мардлик ва шижоатликдан сабоқ берди. Охир оқибат ғалаба шамоли Аллоҳ инояти билан аҳли ислом лашкари тарафига эсиб, шайтон қавми қочишни ихтиёр этиб, тарқалиб кета бошладилар. Мусулмонлар қўшинидаги отликлар уларни Сирдарёси лабигача қувиб

бориб, кўпларини дарё ичида ҳам ўлдирдилар. Улардан жуда кам қисми қутулиб, Қурама⁶⁹⁰ кишлоғигача тўхтамасдан қочиб бордилар. «Интихобут-таворих» соҳиби⁶⁹¹ сўзига қараганда Шермухаммад *баҳодир* ва Абдусамад *баҳодир* ушал жанг куни тўқсонга қалмоқни ўлдирган эканлар. Қолганини шунга қиёс қилаверинг.

Ислон лашкаридан уч мингдан ортиқ мажруҳ ва шаҳид бўлганини ровий хабар берганки, унинг тўғрилигига ўзи жавоб берар. Фатҳ ва зафардан сўнг Абдулкаримхон ўз давлатхонасига қайтиб келиб, вазирлар, амирлар кўшин ва аҳоли ичидан давлат ва миллат обрўси учун жонбозлик қилганларга, ҳақ динни ҳимоясида ширин жонларини аямаганларга мартабаларига мувофиқ ардоқлаб, шоҳона эҳсон ва инъомлар билан ҳурсанд ва хушнуд этди. Барча ҳокимларга ҳам ўз вилоятларига қайтиш учун ижозат берди. Аллоҳ неъматларининг шукри сифатида барча аҳолига ҳам ўз лутфу карамидан улушлар ажратиб тақдим этди.

Абдулкаримхон *қалмоқ* кофирлари билан жиҳод қилаётганида тарих 1153/1740-41 йили Нодиршоҳ Эроний⁶⁹² чумоли ва чигирткага ўхшаган лашкари билан Бухорога келади. Абулфайзхон Бухорий унга қаршилик кўрсатаолмаганидан итоат ва бўйсунидан бошқа чора топмайди. Мамлакат улуғлари Нодиршоҳ истиқболига чиқиб, иззат ва икром кўрсатиб Абулфайзхоннинг муҳтарама бир кизини унинг никоҳига киргиздилар. [Нодиршоҳ] катта кўшинини аждарпайкар тўплар билан Самарқандга юборди. У ернинг *волийси* Абдулкаримхон давлатининг муътабар амалдорларидан бўлмиш Энақули *додхоҳ* Самарқандда бир неча кун эронийлар билан жанг қилиб шаҳид бўлди. Нодиршоҳ лашкари ғзаб билан Самарқандда ғалабани қўлга киритиб, Каттақўрғон, Ургут⁶⁹³ ва шунга ўхшаш истехкомларни босиб олди ва Фарғона хони томонидан қўйилган гумашталарини ҳайдаб чиқариб, Жиззах қалъасига эгаллади. Самарқанднинг *қозиси* Мулло Бечора ва Катта қўрғон *кутвол*⁶⁹⁴ и Хонқули ўзларининг мажруҳ мулозимлари билан Хўқанд доруссалтанатига етиб келиб воқеа тафсилотларини Абдулкаримхонга етказдилар.

Кофир *қалмоқ*ларга қарши урушда хазинадан катта харажатлар бўлиб, ислон лашкари ҳали етарли даражада дам олмаган, яраланган ва мажруҳ бўлганлар эса охиргача даволанмаган бўлсалар ҳам Эрон аскарлари хужум этиш хабарини эшитган заҳоти хон камоли ғайрат билан мамлакатнинг тўрт томонига *тавочилар* ва *жарчи*⁶⁹⁵ларни юборишди. Тез орада катта лашкар йиғиб Хўжанд сари юриш бошладилар. Масофаларни босиб ўтгач ул вилоятга етиб бориб Пешоғар⁶⁹⁶ мавзеида бир баланд қалъа бино этиб, у ерда беш минг жангчиларни қолдириб, хоннинг ўзи эса Хўжандда қелди.

⁶⁹⁰ Қурама – Охангарон водийсида қалъа бўлган.

⁶⁹¹ «Интихоб ут-таворих» соҳиби – Муҳаммад Ҳакимхон тўра ибн Маъсумхон, «Мунтахаб ут-таворих» асарининг муаллифи. Қаранг: МуҳаммадҲакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих. Форс-тожик тилидан таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 720 б.

⁶⁹² Нодиршоҳ Эроний – Нодиршоҳ Афшор (1688.22.X, Дерегёз – 1747.20.VI, Хабушон) – Эрон шоҳи (1736–1747), кизилбошлиларнинг афшор қавмидан бўлган. Хуросонда ҳарбий кўмондон сифатида ўз фаолиятини бошлаган. 1726 й.да сафавийлар шоҳи Тахмосп II (хукмронлик даври: 1722–1732)нинг ҳарбий хизматига ўтиб, Машҳаддан афгонларни қувиб чиқарган. Ҳиротдаги афгонларнинг абдал ва Хуросондаги туркман қабилаларига қарши курашда ғолиб келган (1729). Эронни босиб олиш учун уруш бошлаган Усмонли турк султонлигига қарши самарали кураши Нодиршоҳнинг нуфузини оширган (1730–1731). Тахмосп II ни тахтдан ағдариб, унинг ўғли Аббос III ни шоҳ, ўзини эса унга ҳомий (регент) деб эълон қилган (1732). Турклар билан уруш тугагач, Эрон шоҳи бўлган (1736). Нодиршоҳ сафавийлар давлати ўрнида Эронда марказлашган йирик давлатга асосланган империя ташкил қилган. Кўшни давлатларга қарши талончилик юришлари ўтказиб, Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Доғистон, Афғонистон, Белужистон, Ўрта Осиёнинг катта қисми, Шимолий Ҳиндистонни босиб олган. Бухоро хонлигига қарши унинг юриши дастлаб муваффақиятсиз тугайди. Нодирнинг катта ўғли Ризоқули мирзо 1200 кишилик лашкари билан Амударёдан ўтиб, Қаршини қамал қилган. Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ ва Бухоро хони Абулфайзхон шаҳар ичида туриб душманга қарши курашганлар. Бухороликларнинг иттифоқчиси Хива хони Элбарс (хукмронлик даври: 1728–1740) катта кўшин билан етиб келгач, Ризоқули мирза шошилинич сулҳ тузади ва орқага қайтади (1736). Бироқ Нодиршоҳнинг ўзи катта кўшинга бош бўлгач, Балхни эгаллаб, Бухоро устига юриш қилганида уни Муҳаммад Ҳакимбий ва ўғли Муҳаммадраҳим қўллаб-қувватлайди (1740). Бухоро устидан сиёсий ҳокимият ўрнатилгач, у Хива хонлигига қарши юриш қилади. Хонқани эгаллаш пайтида Хива хони Элбарс ўлдирилган (1740). Нодиршоҳ хукмронлигига қарши Хива ва Бухорода бир неча марта кўзғолонлар кўтарилган. Эронда ҳам ички низолар ва сарой фитналари кучаяди. Нодиршоҳ Хуросон ноиби, ўзининг жияни Алиқулихон томонидан Машҳадда ўлдирилган. Алиқулихон ўзини Одилшоҳ номи билан шоҳ деб эълон қилган. Нодиршоҳнинг ўлими билан Эрон давлатининг марказлаштириш жараёни тўхтаб қолган. ЎЗМЭ. Том 6. Тошканд: ЎЗМЭ. 2003. – Б. 379.

⁶⁹³ Ургут/Урғут – бугунги Ургут, Самарқанддан 30 км. узоқликда жойлашган шаҳар, туман маркази.

⁶⁹⁴ Кутвол – қалъа қумондони, бошлиғи.

⁶⁹⁵ Жарчи – жар солиб хон (амир) фармонлари ва амрларини халққа баланд овоз билан эълон қиладиган шахс. Хабарчи, чопар маъносида ҳам келади.

⁶⁹⁶ Пешоғар/Пшоғар – Пешоғар, қалъа – Жиззах ва Ўратепа орасида қурилган Қўқон қалъаси. Ҳозир қишлоқ номи.

Нодиршоҳ ўз лашкари билан Хоразм⁶⁹⁷ сари йўлга чиққан хабарини Абдулкаримхон эшитиб, давлат пойтахти Хўкандга қайтатуриб, Дўсткули *баҳодир*ни катта қўшин билан шу ўлка ҳимояси учун қолдириб, ғайб пардасидан яна нималар содир бўлишини кутди.

Нодиршоҳ ҳам ўша замоннинг нодир шахсларидан бўлиб, мақсаддан узоқлашмасдан бу ерда унинг аҳволини жуда қисқа ва мухтасар баён қалами билан ёзилиши керак бўлади.

Нодиршоҳ афшор қабиласидан бўлиб, авваллари қароқчилик қилган. Бу ишдан анча бойлик тўплаб, бир қанча жасур ва ёвқур йигитларни ўзига итоат риштаси билан боғлаганда иши ривожланиб кета бошлади. Қаерда бир йўлтўсар ва қароқчи бўлса унинг хузурига етиб келишди. Айтишларича қачон бир тижорат карвонини таласалар, Нодиршоҳ ўлжанинг ярми билан қаноат қиларди, дарвеш ва мусофирларга ҳам улуш берарди. Оқибат яқинларининг насиҳати билан бу ишлардан ор қилиб, тавба қилди.

Ўл замонда доғулилик ва муҳолифат юзасидан Эрон вазирлари ва аъёнлари барча сафавий шахзодаларини қатл этиб Шоҳ Хусайнни зиндонга ташладилар. Эроннинг истиклоли ва истикболига заифлик ва фатарот юз берди. Ҳар тарафдан Эрон тахтига даъвогралар бош кўтариб мамлакатни эгаллаш учун қўл чўзардилар. Масалан ҳижрий 1134/1721–1722 йили Қандаҳор⁶⁹⁸дан Маҳмудшоҳ ибн амир Вайс хуруж қилиб, Кирмон⁶⁹⁹, Исфаҳон⁷⁰⁰ ва бошқа кўп жойларни истило этди. Сафавий шахзодалардан кўпини қатл қилди. Шоҳ Хусайнни яна зиндонга ташлади. Ҳижрий 1135 йили муҳаррам ойида/1722 йил (12 октябрь – 11 ноябрь) вазирлар ва амирлар фалаж бўлиб қамокда ётган Шоҳ Хусайн ўрнига, сафавийларнинг охириги намояндаси Шоҳ Таҳмасп⁷⁰¹ни тахтга кўтардилар. Шу вақтда Маҳмуд ибн амир Вайс *ғалжойи*⁷⁰²ни амакиваччаси Ашраф *ғалжойи* ўлдириб, ўрнига амирликка мушарраф бўлди. Тахтдан кетган собиқ шоҳ Шоҳ Хусайнни шахидлик даражасига етказди. Ўша замон шоирларидан Мирзо Қавомиддин шоҳ шаҳодати учун бир арабча таърих битган. Таърих будур:

АзлаMAT ал-арзу ли қатли-л-умаро,
Эҳсонаху қад мало ал-хофиқайн.
Аш-шоҳ Султон Хусайн аллази,
Қад жовазат аъломаху ал-фарқадайн.
Иншоа фи таърихиҳи Ҳотифун,
Фақола: «Таждид ал-қатл ал-Хусайн»⁷⁰³.
[Ер амирларнинг қатлидан зулмат билан ёпилди,
Эҳсонлариданким, шарқу ғарб эди тўла.
Султон Хусайн шоҳким,
Байроқлари ҳамма ерда хирпиларди.
Ҳотиф унинг вафоти тарихида иншо қилиб,
Дедик: «Хусайннинг қатли такрорланди»].

Малик Маҳмуд Сийистоний Эроннинг бундай бошбошбадоқлик ва тарқоқлигидан фойдаланиб, қолган ерларига эга бўлиб чиқиб, муборак Машҳад⁷⁰⁴ни ўз ҳукумати марказига айлантирди. Шу вақтларга яқин бир даврда Эронга тобеъ ер саналмиш Абивард шахри атрофларидан Нодиршоҳ Афшорий ўз мулозимлари билан шоҳ Таҳмасб хузурига келиб унинг хизматига ўтди. Жасурлик, ёвқурлик ва баҳодирлик Нодиршоҳнинг пешонаси ва хулқида намоён эди. Унинг қудрат ва ихтиёри қўлига мол ва пул ҳамда лашкар бериб, Эрон давлати душманларига қарши юбордилар.

Нодиршоҳ ўзининг афшор қабиласи ва бошқа уруғ ва элатлардан ёвқур ва ботир йигитларни танлаб, катта қўшин билан Эрон давлати ва миллати душманларига қарши уруш ва муҳорабага шошилди. Қаерга у бормасин бахти баландлиги ва Аллоҳнинг инояти билан ғолиб ва музаффар бўлиб, Эронни ташқи босқинчилар ва даъвогарлардан халос ва озод қилди. Оқибат шоҳ Таҳмаспни тахтдан тушириб, Исфаҳонда ҳибс этиб, унинг кичкина ўғли Аббос мирзони шоҳлик тахтига ўтказди. Кўп ўтмай сафавийлар авлодини бутунлай йўқ қилиб, ҳижрий 1146 йили, шавол ойида/1734 (7 март –

⁶⁹⁷ Хоразм – ҳозир Ўзбекистон республикасида вилоят номи. Тарихий-жуғрофий ва маданий-сиёсий жиҳатдан турли даврда ҳар хил худудларни қамраб олган.

⁶⁹⁸ Қандаҳор – Афғонистондаги шахр ва вилоят маркази.

⁶⁹⁹ Кирмон – Эронда жойлашган шаҳар.

⁷⁰⁰ Исфаҳон – Эрондаги шаҳар ва вилоят маркази.

⁷⁰¹ Шоҳ Таҳмасп – сафавийлар шоҳи Таҳмасп II (ҳукмронлик даври: 1722–1732)

⁷⁰² Ғалжойи – пашту қабилалари бирининг номи.

⁷⁰³ Тарих моддаси 1141/1728–1729 сонни беради.

⁷⁰⁴ Машҳад – Ҳазрат Алининг VIII асрда яшаган авлодларидан Али бин Мусо ар-Ризо кўмилган жой кўзда тутилмоқда. Машҳад шахри номи шу улуғ имом “машҳад”и, яъни қабри жойлашганидан келиб чиқиб айтилади.

5 апрель) ўзи Эрон мамлакатининг шоҳлик тахтига ўтирди. Мирзо Қавомиддин Муҳаммад Қазвиний Нодиршоҳни тахтга ўтиришига шундай таърих битган:

Искандаршон ба нусрату тоиди зафар,
Бар маснади Жам гашт адолатгустар.
Таърихи жулуси майманат монусаш,
«Зулқарнайн» аст тожи «икбол» ба сар.
[Искандардек шарафли, нусрату зафар мададила,
Жамшид тахтига ўтирди, адолат ёйилди.
Унинг бахт келтирувчи жулуси тарихи,
«Зулқарнайн», яна «икбол» сўзининг бош ҳарфидир].

Шоҳлигининг учинчи йилида сана 1150, зу-л-ҳижжа ойида/1738 йили (22 март – 21 апрель) катта лашкар билан Нодиршоҳ Балх⁷⁰⁵ ва Қандаҳор томон юриш қилди. Бу ўлкани босиб олиб, 1151 /1738–1739 йили эса Кобул, Кашмир⁷⁰⁶ ва Лоҳур⁷⁰⁷ ни тасарруфига киргизди. Шу билан Ҳиндистонга бостириб кириб бобурий Маҳмудшоҳни мағлуб этиб, Бобур авлодидан бўлмиш бир қизни ўғли Насруллоҳ никоҳига киргизди. Ҳинд подшоҳи хазинасидан нақд пул, жавоҳирот, тилло ва кумушдан бўлган асбобу олот, товусга ўхшаш тахт, 30 карат келадиган «Дарёи нур» номли олмос, Маҳмудшоҳ ва темурийларнинг вазир ва амирларидан ҳам сон-саноксиз ва тенги йўқ шунча мол ва бойликларни тортиб олиб эронийлар лашкари орқага қайтди.

Ҳижрий 1153 йил, жумодал-увла ойининг охирларида⁷⁰⁸ Жайхун, ҳозир Омударё номи билан машҳур бўлган дарёдан кечиб ўтиб, Абулфайзхон Бухорий билан сулҳ қилиб, унинг бир қизини ўз никоҳига олиб, Самарқандни Абдулқаримхон Фарғоний кўлидан тортиб олиб Бухоро ҳудудига кўшди. Бу ҳақда юқорида баён қилинди.

Нодиршоҳ ҳар бир тоифадан бир нафар машҳур ва бой одамни танлаб, катта бир гуруҳни бу ер қабила ва уруғларидан ҳам жамлади. *Йуз* қабиласидан Муҳаммадраҳимбекни, *кенагас*⁷⁰⁹ лардан Олимбекни, *манғит*лардан Раҳимбийларни шу жамоага бошлиқ этиб тайинлаб ўзи билан Хоразмга олиб кетиб у ерни ҳам ўз тасарруфига киргизди. Хоразмлик Элбарсхон⁷¹⁰ Қозоқистонга акаси Абулхайрхон⁷¹¹ ҳузурига қочиб кетди. Чонакшоҳ номи билан танилган Элбарсхон хотинини Раҳимбий *манғит*га бахшида этиб, Нодиршоҳ қошида бўлган чингизий Тоҳирхонни Хоразм тахтига ўтказди. Бу ишлардан фориғ бўлгач, Марв⁷¹² йўли билан Келот қалъаси⁷¹³ га етиб келиб, бир қисмни шу қалъани мустаҳкамлашқа қолдирди. Муқаддас Машҳадга етиб келиб шу муборак ўлкада лашкарига дам берди. Ўзи эса Боғистон сари юриб гилзайи қавмига жазо бериб, мағлуб этди ва Эрон дору-с-салтанатига қайтди.

Нодиршоҳни бошқалар қатори деб билишларидан, нусрат келтирувчи аскарлари ислом халифаси жаннатмақом султон Аҳмадхон билан бир неча муҳорабалар бўлиб, оқибат уни аҳли суннат эканини, тарафдорлари эса расули акрам аҳли байтининг дўстлари, яъни шиалар эканларини, бир гулистоннинг гули ва бир чаманистоннинг булбули эканларини дарк этиб, низо ва уруш, орада тарқоқлик ва фарқ қўйиш икки тараф миллатининг хору зайиф қилишини, иттифоқ ва бирлик эса ҳар икки томонга бойлик, иззат ва давлат келтиришини фаҳмладилар. Эронийларга маслаҳат тариқасида шундай ҳукм ва фармон содир бўлдики, бундан буён Эрон мамлакатада минбар ва маслакларда аҳли суннат ва жамоани макруҳ деб билмасинлар, балки уларни ардоқлаб, бул жамоани иззат ва икром

⁷⁰⁵ Балх – ҳозир Шимолий Афғонистондаги вилоят маркази.

⁷⁰⁶ Кашмир – Ҳимолай ва Тибет бирлашган ҳудуддаги тарихий ўлка. 1756 йили афғонлар томонидан босиб олинган эди. Расман Жамму ва Кашмир штати номи билан Ҳиндистон таркибига киради.

⁷⁰⁷ Лоҳур – ҳозир Покистонда жойлашган шаҳар номи.

⁷⁰⁸ 1740 йилда мазкур ой 25 июльда бошланиб, 23 августда тугаган.

⁷⁰⁹ Кенагаслар – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Хоразм, Бухоро вилояти, Фарғона водийси, Қорақалпоғистон ва Шимолий Афғонистонда яшаган, таркибида бир қанча кичик қабила ва уруғлар бўлган. Булардан энг йириклари очамайли, кирей, абак кирей, овоқли, тароқли, чуют, қайри соли ва ҳ. Шаҳрисабз ва Китоб атрофида ҳукмрон қабила бўлган.

⁷¹⁰ Элбарсхон – Хива хони (1728–1739).

⁷¹¹ Абулхайрхон – (1693–1748) – Кичик жуз хони. Абулхайрхон 1720-йиларда қозоқларнинг жунғар (мўғул-қалмоқ) босқинчиларига қарши курашига бошчилик қилган. 1731 йилда Абулхайрхон қозоқ зодагонларининг бир қисми билан ўзларининг Россияга тобе бўлишга тайёр эканликларини маълум қилди. Кўпчилик қозоқ султонларининг Абулхайрхон сиёсатига қарши муҳолифатда бўлишлари натижасида Абулхайрхоннинг режаси амалга ошмади. Абулхайрхон чингизий Барок султон томонидан ўлдирилган.

⁷¹² Марв – Марви Шоҳи жаҳон – бугунги Туркманистондаги Мари шаҳри.

⁷¹³ Келот – Марв яқинидаги қалъа.

этсинлар. Аслида бир бирларига ака-укадек бўлган шиа ва суннийларнинг бирлик ойна корхонасига тарқоқлик тошини отмасинлар.

Бироқ ул замонда эронийларнинг басират кўзлари тажриба ва маърифат нуридан мукаммал баҳра олмаганидан бу ҳукм ва фармон Нодиршоҳга нисбатан адоват ва қаршиликни дилларда кучайтирди. Эрон давлати шикастига камар боғлаганлар, фитна ва фасод ғуборини бутун Эрон мамлакати бўйлаб кўтариб, Нодиршоҳ ва ўғли Ризоқули Мирзо ўртасида гина ва кудурат уруғини септилар. Жаҳонни кўрувчи шоҳлик кўзи қарочиғи маътал ва кўр бўлди. Юракни куйдурувчи бу ишлардан Нодиршоҳнинг барча яқинлари унга душман бўлиб, кўзғолиш пистирмасида фурсат пойлаб, ҳижрий 1160 йили жумода ас-соний ойида⁷¹⁴ унинг энг яқинларидан бир киши бедод ва золим ханжари билан шаҳид этди. Назм:

Баландрутба гардад чарх чун хуршед,
Ки рафта рафта нагардид пояш кутох.
Ки сар кашид дар ин бустон ки сар накашид,
Зи решаи жигараш дар сина даста-даста сунбули «оҳ».
[Чарх қуёшдек қанча баланд бўлмасин,
Оқибат у янада паст бўлади.
Бу бўстон ичра ким кўкарди, ким кўкармади,
Бироқ, жигари ичидан даста-даста оҳдан сунбулалар ўсди].

Нодиршоҳ, унинг авлоди ва тобелари ҳақидаги тафсилотларнинг мукаммалини бошқа тарих китобларнинг мутоаласидан ҳосил бўлур. Бу ерда шу билан кифоя қилинди. Энди асл мақсадимиз бўлган Фарғона хонлари воқеотининг баёнига қайтсак.

Юқорида ёзилган эдики, Нодиршоҳ Бухородан қайтганида Абдулкаримхон Хўжанддан Хўқанд дору-с-салтанасига юзланди. Шодибек ҳам акаси рухсати билан Марғинон вилоятига қайтиб, ҳукумат юргузишга киришди.

Бир куни Шодибек ов қилишга чиқади. Мулозимлари ҳам лочин, милтиқ ва шикор асбоб-анжомларини олгандилар. Овнинг қизгин палласида қазодан бир ўқ Шодибекнинг кўкрагига тегиб у шаҳодат топди. Бу қасдан отилган ўқ бўлмаса ҳам уни ким отилгани маълум бўлмади. Унинг жасадини ов маҳалидан усти ёпиқ аравада Марғинонга олиб келдилар. Бу жигарни ёндирувчи хабарни Абдулкаримхонга маълум қилдилар. У тезлик билан Марғинонга етиб келиб, жаноза намозини ўқиб укаси ўлигини Хўқандга юбориб, хонлар учун махсус бино қилган мақбарада тупроққа топширди. Марғинонда унинг ҳукумати олти йил, ёши ўттизда эди. Ундан яхши сийратли бир ўғил қолди оти Сулаймонбек. Бир хотини бўлган, ўғлининг онаси Шамсуннисо ойим. Сулаймонбекни марҳум отаси ўрнига Марғинонда ҳоким тайинлаб, хон доруссалтанатга қайтди.

Ўша замонда қипчоқия қавми⁷¹⁵ га мансуб бир гуруҳ бош кўтариб, фасод ва йўлтўсарлик қилиб, тижоратчи ва савдогарлар карвонларини талаб, кўп озор етказа бошладилар. Улар Шиғой тўра деган бир кимсани ўзларига бошлиқ қилиб, тоғлар ичида яшириниб, қулай фурсат топиб, яширин йўллар орқали келиб қишлоқларни талон-тарож ва хароб этиб аҳолига кўп ташвиш ва тазйиқлар етказардилар. Наманган ҳокими Абдуллоҳ *додхоҳ* ва унинг нойиби Хуррамсарой, ҳозир Фурумсарой⁷¹⁶ номи билан маълум, ҳокими Ўтаббой баковул бир тадбир ишлатиб шу қавмдан қирк нафар бошлиқларини қўлга олиб, бир неча кун ўз хизматларида ушлаб, яхши халатлар билан кўнгил ва хотирларини тинчлатиб уларнинг қароргоҳлари ва унга олиб борадиган йўлларни билиб олдилар. Сўнгра ўша харомзодаларнинг барчасини қўлга туширдилар. Бирор киши қутулиб кетолмади.

⁷¹⁴ Ҳижрий 1160 йили жумода ас-соний ойи – милдий 1747 йил 10 июнь – 9 июль.

⁷¹⁵ Қипчоқлар – (рус манбаларида – половцы, Византия манбаларида – куманлар) – туркий халқларнинг энг йирик қабиаларидан бири; ўзбек халқи этник таркибидаги асосий компонентлардан бири. Қипчоқлар нафақат ўзбек халқи энтогенезида, балки қатор бошқа туркий халқлар — қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, туркманлар, татарлар, бошқирлар, олтойликлар ва Шимолий Кавказдаги айрим халқлар (нўғойлар, қўмиқлар, қорачойлар ва б.) шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Қипчоқларга хос этник белгилар усмонли турклар, венгерлар ва б. қатор халқлар таркибида ҳам мавжуд.

Қипчоқларнинг Мовароуннаҳр маданий минтақаларига ялпи кўчиб келиши Шайбонийхон даврида XVI асрда ва кейинчалик XVII асрда аштархонийлар даврида юз берган. Шунингдек, қипчоқлар XVI нинг иккинчи ярми – XVIII нинг бошларида, жунғарларнинг Қозоғистоннинг жанубий ҳудудларига бостириб кириши жараёнида ҳам Зарафшон воҳаси ва Фарғона водийсига кўчиб келганлар. Қорақалпоқлар, қозоқлар билан бирга қипчоқларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши икки йўналишда бўлиб, уларнинг бир қисми Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб Тошкент воҳаси ва Мирзачўл ҳудудларида жойлашган. Қипчоқларнинг иккинчи қисми эса Ўрта Зарафшон бўйлаб кетган. XVIII асрнинг 20–30-йилларида қипчоқлар Шимолий Фарғонанинг тоғ олди минтақаларига келиб ўрнашганлар. Фақатгина маълум миқдордаги қипчоқларгина Тошкент воҳасида қолган. Бу даврда қипчоқлар 4 та асосий гуруҳга: қора қипчоқ, сариқ қипчоқ, хитой қипчоқ ва қулон қипчоқларга бўлинган. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, майда гуруҳларга бўлинган. Қипчоқларнинг айрим гуруҳлари XX асрнинг бошларигача ўзларининг уруғ-қабилавий бўлинишларини сақлаб қолганлар.

⁷¹⁶ Фурумсарой/Хуррамсарой – Фарғона водийсидаги Наманган вилояти, Поп туманидаги қишлоқ.

Бўйинларига оғир занжирларни солиб салтанат пойтахтига юбордилар. Абдулкаримхон шариф шариат ҳукмларига биноан уларни вилоятларга жўнатиб, катта йўлларда ибрат учун баланд дорларга осиб, жазолади. Мусулмонлар ва тожирлар бу қавмининг ёмонлигидан қутулиб, шукроналар айтдилар.

Ўша вақтда Хоразм вилоятида бир воқеа бўлиб ўтди. Ўшанда Нодиршоҳ ҳали тирик эди. Нуралихон ибн Абулхайрхон Дашти Қипчоқ⁷¹⁷ ва Қозоқистондан келиб, Нодиршоҳнинг гумаштаси чингизий Тоҳирхонни Хоразм тахтидан олиб, ўлдирди. Унинг ўрнига хонлик тахтига Нуралихон қарор топди. Бу хабар Нодиршоҳга етиб борганда, ўғли Насруллоҳни катта лашкар билан юборди. Шаҳзода йўл ва манзилларни босиб ўтиб келаётганини Хоразм ашрофлари ва зодагонлари эшитиб, Нуралихонни Дашти Қипчоқ ва Қозоқистонга чиқариб юбордилар. Улар катта ҳадялар ва тортуқлар билан Марвгача келиб, шаҳзода Насруллоҳ истиқболига шошиб чиқдилар, тухфаларни унинг назаридан ўтказиб, ожизлик ва бош эгувликлари билан шаҳзодани раҳм ва меҳрини кўзгадилар. Шаҳзода уларнинг гуноҳлари ва қилмишларини кечириб, Абу Муҳаммад ибн Элбарсхонни Абулғозий хон (Бешинчи) номи билан Хоразм хонлиги тахтига тайин этиб, Хоразм улуғлари билан қайтариб юборди. Шу билан шаҳзода Насруллоҳ Марвдан қайтиб кетди.

Абдулкаримхон салтанати даврида ҳижрий 1162/ 1748 йили аштархонийларнинг охирги хони Абулфайзхон Бухорийни Раҳимбий ибн Ҳакимбий *мангит* макр ва ҳийла ишлатиб Мир Араб мадрасасида қамаб, шаҳидлик даражасига етказди ва ўзи давлат ишларини қўлга олди. Раҳимбий *мангит*нинг ота ва боболари Абулфайзхон ва унинг отаси файзу эҳсон дастурхонидан нон-туз еб тарбият топгандилар. Оқибат туз ҳақини фоний дунёга алмашиб, ўз валинеъматларига куфрони неъмат келтирдилар. Дин, илм ва инсоф арбоблари олдида бундан-да ёмон иш ва амал бўлмаганидан замона дафтарида ўзларидан шундай ёмон ном қолдирдилар. Муаллифдан:

Касе пурсид аз доно ҳакиме,
Ки бошад дар жаҳон аз саг лаиме.
Чунин овард посух он хирадманд,
Лаимтар кофари неъмат ба сад чанд.
Агар саг мунъим аз хони ту гардад,
Мутеу посбони дори ту гардад.
Ба нокас гар куни эҳсону инъом,
Ки гардад кофари неъмат дар анжом.
[Доно ҳакимдан бир киши сўради,
Итдан ҳам паст жаҳонда нарса борми?
Ул хирадманд жавоб бердики,
Куфрони неъмат келтиргандан пасткашроқ киши йўқ.
Агарда дастурхонингдан бирор итга нон берсанг,
У сенга тобе ва уйинг посбонига айланади.
Нокасга эҳсон ва инъомлар қилсанг,
Охир-оқибат неъматингга куфр келтиради].

Бу воқеалар Абдулкаримхон даврида Фарғонага қўшни бўлган Бухорода юз берганидан уларнинг тафсилотини келтириш муносиб кўринди. Юқорида зикр этилган эдики, Нодиршоҳ қайтиш чоғида Бухородан ўзи билан ҳар бир уруғдан бир гуруҳни танлаб, уларнинг ичидан бир бошлиқ тайинлаб ўзи билан олиб кетган эди. *Йуз* тоифасига Муҳаммадраҳимбек, *кенагасга* Олимбек, *мангитияга* эса Раҳимбий *раис*⁷¹⁸ бўлиб, ўз қабила ва уруғлари билан Нодиршоҳ шаҳид бўлгунча унинг хизматида бўлдилар. Нодиршоҳ ўлдирилишидан кейин улар ўз ўлкаларига қайтганда Муҳаммадраҳимбек Ҳисорга, Олимбек Шаҳрисабзга ва Раҳимбий отаси Ҳакимбий ҳузурига Бухорога келди. Ҳакимбий Абулфайзхоннинг вазири эди. Ўшанда *мангития* тоифасида бошқаларга ўхшаб алоҳида вилоят ва ҳукумат йўқ эди. Ҳакимбий *мангит* ўз табиий ажали билан оламдан ўтганда, Бухоронинг қирим-чиқими, бошқаруви, идораси Ҳакимбий вазирлиги вақтида аста-секин *мангит*лар уруғи қўлига ўтиб, Абулфайзхонда ҳеч бир эркинлик ва истиқлол қолмаган эди. Тутқаноқ ва бавосир касаллиги эса унинг жисмини шу даражада заиф қилган эдики, салтанатининг охирги кунларида юришдан қолиб, бир хилватда кучи ва ғайрати етгунча тоат ва ибодат билан машғул эди. *Мангития* улуғларининг босими натижасида Раҳимбий ибн Ҳакимбий вазирлик мансабига тайинланди. Раҳимбий олдингидан ҳам кўпроқ ўз қариндошларини юқори мансаб ва амалларга қўйиб, уларга тараққий ва ривож бахш этди. Мол ва бойлик, динор ва дирҳамлар инъом этиб, турли йўллар билан

⁷¹⁷ Дашти Қипчоқ – тарихий-жуғрофий худуд сифатида Марказий ва жанубий Қазоғистоннинг ерлари.

⁷¹⁸ Раис – бу ерда бошлиқ, раҳбар маъносида келган.

Бухоро савдогарларини ҳам ўзларига тобе этгандилар. Юқорида зикр қилинганидек, Раҳимбий Абулфайзхонни зулм қиличи билан шаҳид қилиб, бир муддат унинг ўғли Абулғозийхонни тахтда ушлаб, қизини унинг никоҳига киргизиб, ўн олти ёшга киргани билан жафо тиғи билан шаҳид қилиб хонлик тахтига эга бўлди. Аштархонийларнинг давлати ва салтанати инқирозга юз тутиб, Бухоро бошқаруви *мангит* амирлари ва ҳокимлари қўлига ўтди. Назм:

Бахт агар силсилажунбон шавад,
Мўр тавонад ки Сулаймон шавад.
Меҳр дурахшанда кунад аз ғуруб,
Шабпарра(к) бозигари майдон шавад.
[Бахт агар кишига ёр бўлса,
Чумоли ҳам Сулаймон бўлади.
Ботаётган қуёш нуридан,
Капалак ҳам майдонда ўйинга тушади].

Мангития уруғининг амирлари ва шоҳларининг зикри Фарғона хонлари ва хоқонлари тарихи баёни зимнида ўз маҳаллида яна баён қилинажак.

Ҳижрий 1164 йил муборак рамазон ойида/1751 йил 24 июль–23 август Абдулкаримхон «Барча жонзот ўлимга маҳкумдир»⁷¹⁹ деган шарбатни қазо соқиси қўлидан ичиб, «Сен рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг ҳузурига қайт»⁷²⁰ баланд чақириғини эшитиб, асл манзилига шошди. Унинг вафоти муносабатига аср шоирлари таърих ва марсияларига дурдек сайқал берганларки, жумладан қуйидагиси ёзилди:

Подшоҳеро ки майли хотираш,
Буд хушнудии халлоқи ҳаким.
По ниҳод аз дори фони ақл гуфт:
«Ҳайф аз шоҳаншаҳ Абдулкарим».
[Ул подшоҳким майли хотири,
Аллоҳ яратганларига яхшилик қилиш эди.
Фоний бу дунёдан ташқарига қадам қўйганда,
Ақл деди: «Шоҳаншоҳ Абдулкарим ҳайф бўлди»].

Фаришта сифат ва баланд ҳиммат бир хон эди, шужоат ва адолатдан замондошларига сабоқ берарди, қўл остидагиларга раҳм ва шафқат кўрсатишда ўртоқлик ва садоқатини ибрат қилиб кўрсатарди. Қад-қомати келишган, баланд бўйли, оқпар, қошлари пайваста, хулқу атвори яхши бир одам эди. Ундан Абдурахмонхон исмли бир ўғил ва иккита хотин қолган. Бири Фотима ойим Абдурахмонбекнинг онаси. Мазкур аёл Дўсткули *баҳодир*нинг қизи эди. Иккинчиси Ойчучук ойим бинт Иброҳимбек *кенагас* бўлиб Абдурахмонхон фирдавс макон вафотидан сўнг, биродари жаннатни ошиён қилган Абдулкаримхон никоҳига кирган эди. Абдулкаримхондан фарзанди бўлмаган. Биродари Абдурахмонхон замонида Марғилонда саккиз йил ҳукмронлик қилди, акаси вафотидан кейин ўн саккиз йил Фарғона тахтида қарор топди, ёши эса аниқ сўзларга қараганда қирқ тўртда бўлган.

ЭРДОНАХОН НОМИ БИЛАН МУЛАҚҚАБ ВА МАШҲУР БЎЛГАН АБДУЛҚАЮМХОН ИБН АБДУРАҲИМХОННИНГ ЖАҲОНБОНЛИК ЗИКРИ

Эр дегани, алифнинг касраси ва йонинг сукуни билан туркчада далир (шижоатли, ботир) ва жасур киши, ёвқур (ҳеч нарсадан қўрқмайдиган) дегани. Унинг асл номи Абдулқаюмбек бўлган. Улуғ амакиси жаннатмакон Абдулкаримхон даврида ундан кўп мардлик ва хушёрлик зоҳир бўлган. Бу ўлканинг турклари уни «Эри доно» дея бошладиларки шу билан машҳур бўла бошлади. Абдулкаримхон вафотидан кейин сипоҳ ва раъият иттифоқи билан унинг бахтли боши хусравона тожга мушарраф бўлиб, ундан зеб-зийнат топди. Амакиси давридаги умаро ва вузарони ўз мансабларида қолдирди. Вилоят ҳокимларига ҳам тегмади. Унинг тахтга чиқишининг биринчи йили Дўсткулибек *баҳодир* вафот қилди ва Фарғона сипаҳсолор (амир ал-умаро)лик мансабига унинг катта ўғли Идрискулибек тайинланди.

Эрдонахон синглиси Ойжон ойимни шоҳона тўй ташкил этиб, амакиваччаси Абдулкаримхон жаннатмаконнинг ўғли Абдурахмонбекка никоҳ қилиб берди. Шу иккала зодагон насабли ёшлардан

⁷¹⁹ Қуръони карим, 3:185.

⁷²⁰ Қуръони карим, 89:28.

Абдулхамидбек, Нар Баҳодир лақаби билан машҳур бўлган ўғил оламга келди. Нар Баҳодирнинг маъноси эркак ва шужоъ (шижоатли, ботир) демакдир. Баъзи китобларда ёзилганки, Нар Баҳодир лафзи одамлар таллафузида оғирлик қилганидан Норбўтага айланган эмиш. Нар Баҳодир лақаби билан машҳур бўлган Абдулхамидбекнинг таваллуди таъриhini бир шоир шундай рақам қилмишдир:

Шўхи ба хайра мақдами мавлуди хусрави,
Милоди «шаҳзодаи Хўқанд» зад рақам⁷²¹.
[Шўхий хусрав таваллуди қадамлари хайрлига,
«Шаҳзодаи Хўқанд»деб, таърих топди.]

Эрдонахон лақаби билан машҳур бўлган Абдулқайюмхон ҳукмронлигининг бошида Раҳимбий мангит Бухорийнинг иши анча олдинлашиб кетди. Юқорида баён қилинганидек аштархонийларнинг охирги хони Абулфайзхон давлатининг инқирозидан Бухоро ҳукумати мангитларга ўтди ва улардан биринчи ҳукмдори Раҳимхон мангит бўлади⁷²². Раҳимхон мангит учун унинг даврида ёзилган Мулло Мир Вафои Карминагийннинг «Тухфаи хоний» номли асари⁷²³да мангитлар аждодларининг насаби шундай берилган: Раҳимхон ибн Ҳақимбий ибн [].

Раҳимбий хонлик тахтига эришиб, мақсадига етганидан сўнг атрофдаги ҳокимлардан Муҳамадаминбек, Шодмонбек йуз Ҳисорий, Иброҳимбек Шаҳрисабзий, Фозилбек Ўратепаги ўзларини Раҳимбийдан насабда тозароқ, амирлик ва вилоятларни бошқаришда ундан устунроқ ва ҳақлироқ деб билиб, унга бўйсунганини хоҳламасдилар. Унга итоат этишни ўзлари учун ор деб билиб, ҳар бири ўз вилоятида мустақил ҳукумат юргузишарди. Абулфайзхон ўлиmidан эса пушаймонлик ва надоматда эдилар. Фард:

Иложи воқеа қабл аз вуқуъ бояд кард,
Дареғ суд надорад чу рафт кор аз даст.
[Иложини воқеа бўлмасдан олдин қидириш керак,
Иш қўлдан кетса пушаймонликдан фойда йўқ.]

Раҳимбий жуда эҳтиёткор ва удабурон киши эди. Қайси соҳибдавлатнинг ёрдами ва мадади ила зафар топиши, қандай макр ва хийла лутфидан бу учта душманининг хусумати ва рақобатидан омон қолиш мумкин, деб фикр ва ҳаёлга ботиб қолди. Чора ва тадбир майдонига тафаккур қадамини қўйиб, давлати салоҳиятини Фарғона ҳукмронлари билан яқинлик ва алоқа қилишда кўриб, уларнинг мадади ила душманларга қарши чора топмоқчи бўлди.

Шу маслиҳат юзасидан бир сухандон элчини фаровон ҳадялар ва хон номига ёзилган нома билан дору-с-салтанат Хўқандга юбориб, хонни тахтга чиқиши муносабати билан муборакбод этиб унга ҳамдиллик ва иттифоқ изҳор этди. Раҳимбийнинг яқин дўстона муносабатларни ўрнатиш учун қилинган ҳаракати Фарғона хони мизожига ҳам ёқиб тушди. Хон ҳам дўстлик алоқалар эшигини очиб, сингисининг ўғли саййидлар паноҳи Хонхўжа Юсуфалихўжа ўғлиниким, бу варақлар муаллифига она томонидан бобо бўлади, элчилик тариқасида Бухорога юборди. Бухоро волийси Раҳимбий уларнинг қадамларини мукаррам деб билиб, бир неча кун уларга шоҳона меҳмондорчилик кўрсатиб, укаси Ёвқочтибийни кўп ҳадялар билан саййид Хонхўжага кўшиб Фарғона дору-с-салтанатига юборди. Ёвқочтибий дору-с-салтанат Хўқандга келиши билан, шаҳарнинг баъзи улуғлари унинг истиқболига чиқиб, иззат ва эҳтиром кўрсатиб муносиб бир манзилга туширдилар. Эрдонахон ҳам уни кўриб, унинг ҳақиқа хўб навозиш ва эҳсонлар қилиб, шоҳларга муносиб тухфалар берди. Унга кўшиб бирор-бир муътабар зотни Бухорога қайта юбормоқчи бўлганида, мазкур саййидзода Хонхўжа Бухорода таҳсили илм қилмоқ ниятида бўлганини маълум қилди. Ёвқочтибийга уни ҳамроҳ қилиб элчиликка юбордилар. Ёвқочтибий ҳам Раҳимбий ҳузурига етиб бориб, орада дўстлик ва иттифоқ ришталари боғланганини айтиб берди. Саййидзода Хонхўжани таҳсили илм учун Бухорога келганини ҳам айтилди. Раҳимбий саййидзодани ўз сўхбатига чорлаб, мазкур саййидга иззат ва эҳсонлар кўрсатиб, яшаши учун унга яраша маош тайинлади. Саййидзода эса узоқ муддат Бухорода қолиб кетди.

Шундай қилиб вақт ўтиши билан Раҳимбий шаҳрисабзлик кенагас амирларини турли ваъдалар билан бир-бир ўз ҳузурига даъват қилиб, зоҳиран уларга катта иззат ва эҳтиромлар кўрсатиб, қўлга оларди. Унинг домига тушмаган Муҳаммад Юнус Ўлоҳга укаси Ёвқочтибий қизини хотинликка номзод қилиб, никоҳига киритиш учун уни Бухорога чақиради. Бу содда амир Бухорога келади. Тўй ва никоҳ кечасидан кейин кенагас тоифасидан ўттиз нафар амирни, улар ичида Олимбек бий ва

⁷²¹ Нар Баҳодир – Абдулхамидбек 1716 йили оламга келган.

⁷²² Раҳимхон мангит расман 1756 й. 16 декабрда хонлик тахтига кўтарилди.

⁷²³ Мулло Мир Вафои Карминагийннинг “Тухфаи хоний” номли асари.

Субхонқулибек бий ва шуларга ўхшаганлар бўлган, бир кечада тутиб олиб қатл қилдилар. Уларни барчасининг номини бу китобда келтириш лозим кўрилмади.

Шахрисабзда ҳокимлик қиладиган бир одам ҳам қолмади. Раҳимбий бу мамлакатни эгаллаш учун лашкар тортиб тез муддатда уни итоати қайдига киритди ва Қутулқбой *девонбеги*⁷²⁴ни ўшал вилоятда *волий* этиб тайинлаб Бухорога қайтди.

Уруш асбоб ва ускуналарини янада кўпроқ олиб, катта лашкар билан Ўратепа томон равона бўлди. Ўз яқинларидан бирини элчи сифатида Хўқанд хони ҳузурига юборди ва ундан дийдор кўриб мулоқот қилишни сўраб лашкар билан шахсан мадад беришини илтимос қилди. Эрдонахон элчилик мақсадидан хабардор бўлгач вилоят атрофига хабарчилар юбориб лашкар йиғишни буюрди. Тез фурсатда унинг байроғи соясида катта кўшин йиғилгач Хўжанд сари юриш қилди. Ём ва Зом⁷²⁵ оралиғидаги жойни учрашув жойи этиб танлаб, Бухоро элчисини қайтариб юборишди. Эрдонахон ўз лашкари билан йўл ва манзилларни босгач Хўжандга келди ва у ердан Зом ва Ём қалъасига келди. Бухоро *волийси* Раҳимбий Самарқанддан чиқиб, ваъдалашган жойга келгач, амир ва хон ўртасидаги кўриниш амалга ошириб, бир-бирларини дийдорларини кўриш шарафига мушарраф бўлишди, икки томонлама ҳурмат ва эҳтиром, таъзим ва такрим кўрсатилгач Ўратепани бирлашиб босиб олишга киришилди.

Шу орада Ҳисор *волийси* Муҳаммад Аминбий катта кўшин билан Ўратепа ҳокими Фозил бий ёрдамига етиб келиб, Ўратепанинг шу иккала қалъасини мустаҳкамлаб, унинг ҳимоясида турди. Фарғона ва Бухоро лашкари ҳам етиб келиб қамални бошладилар. Икки тарафдан ҳам кўп жанглар бўлди. Ёмғирчилик мавсуми киргач Фарғона ва Бухоро лашкари ёмғирдан жонлари азобда қолди. Фарғона ва Бухоро лашкарида қаҳатчилик юзага келди. Бир бурда нон икки кумуш дирҳамга ҳам топилмади. Озиқ овқат ва таом танқислигидан иккала лашкар аскарларининг суягига пичоқ бориб тақалгач, Бухоро амири Раҳимбий ва Хўқанд хони Эрдонахонлар бу вилоятда ортиқча қолишни ўзларига эб кўрмай, бири Бухорога, бири Хўқанд дору-с-салтанатига қайтишни тўғри маслаҳат деб билиб, қайтдилар.

Қайтиш жараёнида кўшиннинг барча лаш-лушлари, жанг асбоб ва ускуналари, хайма ва ўтовлари туя ва отларга ортирилди ва туячилар кўшин кетидан йўлга чиқдилар. Қалъадагилар ўз истехкомларидан чиқиб шу корвонни таладилар ва юк ортирган туялардан бир қанчасини ўлжа қилиб олдилар. Баъзи туячилар ўлдирилди, бир қисми эса асирга олинди.

Муҳаммад Аминбий Ҳисорий ва Ўратепа ҳокими Фозилбийнинг димоғлари кўтарилиб, мияларида Фарғона хони ва Бухоро амири билан тенглашиш хом хаёли пайдо бўлди. Раҳимхон ва Эрдона Ўратепа ҳукмдорига жазо бериш ишини бошқа вақтга қолдириб, ўз пойтахтларида қарор топдилар.

Келаси йили Эрдонахон Ўратепага қарши черик тортди. Раҳимхон ҳам Ҳисорга, Муҳаммад Аминбийга жазо бериш учун юриш бошлади ва шу хабарни Фарғона хонига етказиш учун бир чопарини ҳам юборди. Эрдонахон Хўжанд вилоятига етганида Раҳимбийнинг чопари унинг ҳузурига етиб келди ва уни барча воқеотни унга билгизди. Эртаси манзилларни босиб ўтгач Ўратепа қалъасига яқин бир тепаликда хайма ва ўтовларни ўрнатиб, ғалаба келтирувчи лашкарнинг қароргоҳига айлантдилар. Бухоро чопарига шу ерда жавоб берилди ва у Ҳисорга бориб, Раҳимхонга бор вазиятни маълум қилди.

Ўтган йили Ўратепа ҳокими Фозилбий ёғингарчилик ва ғалла билан нон қаҳатчилигидан зафар паноҳ лашкар зарби ва ҳарбидан қутулган эди, бу навбат ҳам мағрурланиб қалъадан чиқиб Фарғона лашкарига қарши саф тортди. Унинг бундай журъати ва қайсарлигидан Эрдонахон вужудида ғайрат ва шижоат қайнаб кетиб, Фарғона лашкарига душманга қарши саф тортиб бориб жанг қилишлари, қатл ва мужодала учун фармон берди. Ўшал куни икки томондан ҳам шундай жанг ва уруш бошланиб кетдики, одамлар бундай урушни кўрмаган ва эшитмаган эдилар. Шом вақтида иккала лашкар амирларнинг саъй ва ҳаракатлари билан аранг ажратилди. Фозилбий қалъага, Фарғона лашкари эса ўз қароргоҳига қайтиб ором топдилар. Ҳар куни шундай жанг ва ўлдиришлар бўлиб турди. Охири Аллоҳнинг мадади ила фатҳ ва зафар Фарғона хони томонига ўтди. Ўратепа *йуз* лашкаридан кўпчилик асир тушиб, анчаси ҳалок бўлишди, бир қисми қочиб қутулди. Олий рутбали хоннинг мулозимлари чекинганларни қувиб, Фозилбийни асирга олдилар. Уни хон ҳузурига олиб келганда жаннатмакон Абдулкаримхон замонида *қалмоқ* кофирларини Фарғона мамлакатига ҳужум қилган пайти у беандоза хизматлар ва жонбозликлар кўрсатилгани боис кечирилиб юборилди ва яна

⁷²⁴ Девонбеги – хон, амир девонининг бошлиғи.

⁷²⁵ Ём ва Зом(ин) – Зомин тоғларининг этакларида, Самарқанд–Хўжанд йўлининг ўнг тарафида жойлашган қалъалар. Аввалбошда чопар-ёмчиларнинг кўниш жойлари бўлган.

Ўратепа вилояти унга қайтариб берилди. Эрдонахон лашкари билан катта давлат ва обру билан пойтахтга қайтди. Шу вақтнинг ўзида Бухоро амири Раҳимбийдан Ўратепа фатҳини муборакбод этиш учун ва Ҳисорни босиб олиб, Муҳаммад Аминни қўлга туширилгани ва қатл этиш хушxabарини етказиш учун элчи келиб, бу ахборотларни етказгач хоннинг марҳамати ва лутфидан баҳраманд бўлган ҳолда сарафроз қайтди.

Ривоят қиладиларки, Бухоро амири Раҳимбий Ҳисор *волийси* Муҳаммад Аминбийни қўлга тушганини эшитгач маҳобатли ва шукуҳли бир мажлис чақириб, Муҳаммад Аминни ҳам олиб келишни талаб этди. Ҳокимни унинг ҳузурига олиб келганларида у ундан тавозе ва кечиримни кўзлаган эди. Аксинча шу ҳолатида ҳам Муҳаммад Аминбийда бирор-бир кўрқув ва хавф кутаётган ҳолат зоҳир бўлмади. Муҳаммад Аминбий мажлис иштирокчиларига қарата деди: «Эй мўминлар, ас-салому алайкум! Билиб қўйинглари мен ўз валинеъматим Абулфайзхон ва унинг оиласига ёмонлик қилмаганман. Бу мамлакат аҳолисига мени наслу насабим ва амирлику *волийлик* лаёқатим мана бу золимдан устунлиги маълум ва аёнди. Шунга қарамасдан мен меросий мулким билан қаноатландим, бу насаби паст ва золимга қарши лашкар тортмадим. Менга нисбатан бўлган бахиллиги ва ҳасадида мен билан келиб урушди, зулм ва ситам ундан содир бўлаётир». Раҳимбий бу сўзларни эшитиб, уни чақиритибдан пушаймон бўлиб, афсусланди. Жаллодни чақирди Муҳаммад Аминни барча яқинлари ва оиласи аъзолари билан ўткир тўғдан ўтказишни буюрди. Уларнинг орасида ёш гўдаклар ва тифллар ҳам бор эди. Муҳаммад Аминбий Ҳисорий таҳорат учун сув сўради. Раҳимбийдан кўрқиб бирор киши сув беришга журъат қилмади. Таҳоратни таяммум тарзида қилиб, қиблага қараб ўтирдиди, калимайи шаҳодатни овоз чиқариб ўқий бошлади. Унинг кўзи олдида барча бола-чақалари ва аҳли аёлини шаҳид қилдилар, кейин Муҳаммад Аминбий Ҳисорийни шаҳодат даражасига етказдилар.

Раҳимбий бу ишлардан фориғ бўлиб, Хоразм томонига лашкар тортди, бироқ мақсадига етмай қайтди. Сана 1172/1758 да Раҳимбий ўз ажали билан вафот этди⁷²⁶. Ҳукмронлик муддати 12 йил, ёши 45 да эди. Ундан фарзанд қолмаганидан амирлик ҳукумати Раҳимбийнинг амакиси амир Дониёлга ўтди. У жуда мулойим ва инсофли киши бўлганидан Чингизхон авлодидан бўлмиш Абулфайзхон қариндошларидан бирини Абулғозийхон номи билан хонлик тахтига кўтарди ва ҳукумат ишларига ўзи мутасаддий бўлди. Раҳимбийнинг бева аёли Жонакшоҳ деганга уйланиб, уни никоҳига киритди. Бироз вақтдан сўнг Абулғозийхонни ўлдиртириб, тахтга Фозилхон деганни хон этиб тахтга ўтказишди.

Шу замонда *кенагаснинг қара солди* уруғидан бўлмиш Бекназарбий Баходир Бухородан қочиб Шаҳрисабзга келди ва Раҳимхон гумаштасини ўлдириб, ҳукуматни ўз қўлига олди. Шаҳрисабзнинг олдинги ҳукмдорлари *кенагаснинг* очамайли уруғидан бўлганлар. Уларни Раҳимбий ўлдирганини бир шингил қилиб юқорида баён қилган эдик. Бекназарбий даврдан бошлаб Шаҳрисабз ҳукумати қара солди уруғи қўлига ўтган. *Кенагас* тоифаси бир қанча уруғ ва қавмларга бўлинади. Худо хоҳласа келажакда улар ҳақида ёзилажак. Энди ўз мақсадимиз бўлган Фарғона хонлари тарихининг зикрига қайтсак.

Эрдонахон Ўратепадан фатҳ ва нусрат билан салтанат пойтахти бўлмиш Хўқанд шаҳрига қайтиб келгач, адолат ва инсоф билан машғул бўлиб, пишиқ ғиштдан икки қаватли бир мадраса, бир мусофирхона бино қилиб, уларга кўп вақфлар тайин қилди. Келаси йили Сўх дарёсидан бир улуг наҳр қазиртириб Сир дарёсининг регистон жойигача тортди. Шу наҳрдан кўп қишлоқ ва аҳоли жойлари обод бўлди. Ҳозир бу наҳр Найманча номи билан машҳурдир.

Шу ишларнинг кетидан баъзи фитначи ва бузуқи кишиларким, уларнинг вужуди бу жаҳонда ҳеч қачон кам бўлмаган Абдурахмонбек ибн Абдулкаримхон савоб ва тўғри йўлдан чиқиб, туғён ва кўзғолиш отига минган ҳолда Эрдонахонга қарши исён кўтариб Чоркуҳ қалъаси⁷²⁷га бориб муҳолифат бошлади. Эрдонахон солиҳ ва доно олимларни юбориб уни қулоғига насиҳат дури ва жавохирларини сочди, аммо фойда келтирмади. Уч йил хон бирин кетин лашкар юбориб ҳам муродига эриша олмади. Бунинг сабаби шу эдики, Чоркуҳ қалъаси тоғлар орасида барпо этилган бўлиб, унинг ғарби ва жануби Фарғонага мойилроқ бўлиб биттагина тор ва ўта қийин бир сўқмоқи бор эди. Фарғона тарафидан бошқа йўли бўлмаган. Шу йўлнинг устида бир гуруҳ тўфангчиларни лашкардан ажратиб қўйган эдилар. Йўл кенглиги жуда тор – иккита кишининг елкасига тенг бўлиб, бу танглик бир неча фарсахга чўзилиб кейин дарага чиқар эди. Бу йўлга кирган кишини улкан тоғу тошлар устидан ўққа тутиб тўхтатардилар. Баъзан эса шу йўлга қадам босган лашкар устига бир

⁷²⁶ Раҳимхон ибн Ҳакимбий ибн Худоёр ибн Худойқули манғит Абулфайзхонни ўлдиргач, аввал унинг фарзанд ва неварасини қўғирчоқ хон сифатида тахтга кўтарди. Сўнг 1756 йили ўзини “хон” деб эълон қилиб, ҳокимиятни ўз қўлига олади. Вафоти 1758 йил 24 март (14 ражаб 1171 ҳижрий йили).

⁷²⁷ Чоркуҳ қалъаси/Чаҳоркуҳ – Исфаранинг шарқий-жанубида жойлашган жой.

катта тошни ағдарардилар. Бу тош бошқа тошга уриб сўқмоққагача яна юзлаб тошларни кўчириб, йўлловчи бошига ўлим ёмғиридек тушиб келарди. Тоғлар устидан ҳам бу маконга ўтиб бўлмасди.

Уч йилдан кейин Идрискулибек ибн Дўсткулибек *баҳодир* бир хийла ишлатиб ғалабага эришди. Бу ишнинг тафсилоти куйидагича бўлган. Идрискули лашкарни дара даҳанасидан олиб, бир пистирмага яширди. Овоза тарқатиладики, Эрдонахон ўлим ётоғида ётибди, шунинг учун ҳам лашкар Хўқандга қайтаётир. Бу ёлғон хабарни Абдурахмонбекка ғаламислар етказишади. У Куҳистоннинг тор қалъасидан чиқиб Исфара⁷²⁸ томон йўл олади. Айни вақтда пистирмада яшириниб ўтирган кўшин жойидан чиқиб улар билан бир неча соат урушади. Оғир жанг бўлади. Аллоҳ иродаси билан Абдурахмонбек милтиқ ўқидан оғир яраланади. Унинг лашкаридан аксари ҳалок бўлиб, қолганлари асирга тушдилар. Захм еб ётган Абдурахмонбекни кўриб, уни кўтариб бир усти ёпиқ аравага ётқизиб, икки киши навбат билан уни бошини кўкраклари устида ушлаб дору-с-салтанат Хўқанд шахрига етказдилар. Эрдонахон бу даҳшатли хабарни эшитиб, амакиваччаси ётган тўшакка келиб, жарроҳ табибларни чақиртирди. Улар унинг давосига бир йил ҳаракат қилдилар. Ҳаёти барқарор эмас экан фойда бермади. Бир йилга яқин касаллик тўшагида ётиб Худо раҳматига етди. Унинг вафоти муносабати билан давр шоирлари марсия ва тарихлар битганлар. Улардан мана бу биттаси сабт этилди:

Шоҳе ки буд дар даҳр аълои шахриёрон,
Ногаҳ ба ҳукми эзид падруд кард даврон.
Таърихи реҳлаташро мехост дил зи хотиф,
Омад нидойи ғайби, бар гў: «Аниси ризвон»⁷²⁹.
[Оламда барча шахриёрларнинг аълоси бўлган шоҳ,
Тўсатдан Худо ҳукми билан олам билан хайрлашди.
Ҳотифдан унинг вафоти тарихини юрак сўради,
Ғайбдан бир нидо келиб деди: тарихи « Аниси ризвондир».
(«Жаннат дўсти».)]

Ундан бир аржуманд ўғил ёдгор қолди: Абдулҳамидбек, лақаби Нар Баҳодир. Абдурахмонбекнинг хотини Ойжон ойм унинг фироқиға чида олмай андак фурсат ўтмасдан вафот этди. Абдулҳамидбек онадан ҳам ажралиб, хон тарбиясидан кўкариб, балоғат ёшига ҳам етди. Шу вақтда кофир *қалмоқлар* билан бўлган жангда асир тушган ва уларнинг қароргоҳида яшаётган Бобобек, *қалмоқия* лашкари билан Фарғона салтанатига даъво қилиб келди. Қаттиқ урушларда у ўлдирилди. Баъзи рисолаларда унинг насабини Абдурахимхонга боғланишлари жиддий хатодир. Аслида у Абдурахимхон синглисининг ўғлидир. (Бошқа асарларда Абдурахимбийни катта ўғли дейилади.)

Эрдонахон 1172/1758 йили бир давосиз касалликка чалинди. Замона табиблари даволишга қанча уринмасинлар фойда бермади. Бу фоний қасридан борлиқ тушагини йиғиштириб жовидонлик саройига кўчди. Унинг вафотига аср фозиллари марсиялар ва таърихлар битганлар. Жумладан бири шудир:

Соли фавти амири Фарғона,
Ақл гуфто: «Вафоти хон» бигуй⁷³⁰.
[Фарғона амири вафоти тарихини,
Ақл «хон вафоти», дебон айтди].

Эрдонахондан бешта қиз ва никоҳидаги иккита хотин қолди. Ўғли бўлмаган. Ёши 42 да. Амакисининг даврида беш йил Андижонда ҳукумат юргузди. 12 йил Фарғонада салтанат тахтига ўтирди. Сахий ва камозор киши эди. Салтанат ишларида олимлар ва оқиллар билан маслаҳатсиз иш қилмасди. Шариати исломни риоя қилиб, ҳурматини жойига кўярди. Хар бир ишда шаръи шариф асосида ҳукм қиларди. Шу иккала бахтли ҳукмдор даврида мулк олдиндагилардан ҳам ободроқ бўлди. Аҳоли аҳволи яхшиланиб, анча тинч яшардилар. Диндор, тақволи бўлиб, суфийлар либосида юрар эди.

СУЛАЙМОНХОН ИБН ШОДИХОН ИБН ШОҲРУХХОН ЗИКРИДА

⁷²⁸ Исфара – ҳозир Тожикистонда ноҳия маркази.

⁷²⁹ Таърих моддаси 1177/1763 йилни беради.

⁷³⁰ Таърих моддаси 1172/1758 йилни беради

(Хон вафотидан кейин) Фарғона шахзодалари ичида Сулаймонхон энг катта ва улуғи эди. Абдулкаюм Эрдонахон ибн Абдурахимхон вафотидан кейин салтанат тахтида қарор топиб, адл ва инсоф билан машғул бўлди. Баъзи ҳокимлар ва сардорларни алмаштирди. Фарғона хонининг улуғ вазири Абдуллоҳ *қўшунбеги*⁷³¹ эди. У хондан ҳукумат ишларида у билан маслаҳатсиз иш қилмасликни жуда хоҳларди. Аммо Сулаймонхон бир ғайратли йигит бўлганидан мустақил ва ўз райига қараб ҳукмронлик қила бошлади. Натижада хон ва унинг улуғ вазири орасида кудурат (дил ғашлик) ва душманлик пайдо бўлди. Абдуллоҳ *қўшунбеги* ўз валинеъматига қарши хиёнат ва фитна бошлашни ўйлаб, Хўжанд ҳокими ўзининг акаси Абдурахмон *баҳодир мингга* мактуб йўллаб ёздики, «Сулаймонхон салтанат тахтида узоқ қоладиган бўлса, эски сардорларни мансабларидан олади. Сулаймонхонни орадан йўқ қилмоқ керак». Бу махфий мактуб улуғ амирлардан бири бўлган Абдурахмон *баҳодир*га етиб боргач уни ҳам қурқув босди. Улар Фарғона давлатининг асосий таянчи Марғинон ҳокими бўлган Идрисқулибек ибн Дўстқули *баҳодир*ни ҳам Сулаймонхон билан кўрқитиб, ундан нафратланадиган даражага етказдилар. Аста-секин барча амирларни хийла ва васваслар билан ўзларига шерик қилиб, бирлашиб олдилар. Бир кечаси Сулаймонхон қасрига яланғоч қиличлар билан бостириб кириб, уни тутиб қалъага солдилар. Бир неча кундан сўнг уни шахид қилдилар. Аниқ маълумотларга қараганда у олти ярим ой ҳукмронлик қилиб, 25 йил умр кўрган. Бир хотини қолди, фарзанди бўлмаган.

НОРБОТУР ЛАҚАБИ БИЛАН МАШХУР БЎЛГАН АБДУЛҲАМИДБЕК ИБН АБДУРАҲМОНБЕК ИБН АБДУЛКАРИМХОН ЗИКРИ

Сулаймонхонни тахтдан тушириб, ҳибсга олинган кечаси Абдулҳамидхон ҳузурига бориб салтанати ва хонлигидан башорат бериб, муборакбод қилдилар. Норботурбек лақаби била машхур Абдулҳамидбек бу улуғ иш ва хатарли меҳнатдан ўзини олиб қочиб, барча тақлифаларни қабул қилмади. Амирларнинг энг улуғлари ва уламнинг энг ақобирлари унинг оёғини ўпиб, таъзим учун йиқилиб илтижо ва эҳтиромни ҳаддидан ошириб юбордилар. Норботур уларнинг илтимослари жуда ҳаддидан ошганини кўриб, Фарғона хонлари авлоди ва аждодидан салтанат тахтига лойиқ киши қолмаганини кўриб деди: «Мени аждодларимнинг мақоми ва тахтига бегона киши туришини хоҳламайман. Акс ҳолда ҳеч қачон тақлифларингизни қабул қилмасдим». Ислом умаролари ва уламолари кўнгли бўшлиқ қилиб йиғлаб, сидқ ва ихлос билан унга аҳд-паймон ва итоат қилдилар. Норботур уларни инъом ва ҳадялар билан тақдирлаб, рози ва сарафроз қилиб жўнатди.

Амирлик қасрини Эрдонахон олиймақом ворисларига қолдириб, ўзи шаҳарнинг ўртасида бир олий қаср бино этишни буюрди. Тезкор меъморлар олий қаср биносини ҳозирги Султон Мурод мадрасаси жойида бино этдилар. Мана шу қасрда 1177/1763 йили шоҳлик тожи ҳумоюн бошига кўйилди ва фармонраволик тахти муборак вужуди билан зеб-зийнат топди. Ўн тўрт ёшда бўлганига қарамай фармондорлик ишларида оқилона ва кўпни кўрган қариядек иш тутарди. Фахри-н-нисо ном, лақаби Минг ойим бўлган Имомқулибек⁷³²нинг мухтарама қизини шариф шарият қоидаларига биноан ўз никоҳига киритиб, шоҳона тўйлар қилди. У мамлакат ободончилигига катта саъй ва ҳаракатлар қилди.

Шу орада Нарботур – Абдулҳамидхон ва улуғ вазири Абдуллоҳ *қўшунбеги* ўртасида давлат ишлари ва ҳукмронлик юзасидан душманлик ва қасд олиш ғубори пайдо бўлди. Нарботур лафзи (фатҳали нун ва ронинг сукуни билан) баҳодир киши, мардни билдиради. Баъзи асарларда уни Нарбўта деб ёзганлари хатодир. *Қўшунбеги*ни эса бизнинг замонимизда хато қилиб *қўшбеги* ёзиб, ўқишлари ҳам хатодир. Қоф ҳарфининг мажмул йой ёки замма билан берилиши ғалат ва маъносиздир. Хон ва вазир ўртасидаги душманликнинг сабаби шу эдики, Абдуллоҳ *қўшунбеги* хоннинг ёшлигидан фойдаланиб баъзи муҳим ва жузъий давлат ишларини пайсалга соларди. Хондан кўп ишларда изн сўрамасди. Хон ҳам бир муддат унинг бу ишларига панжа орқасидан қарарди, баъзан эса қочириқ ва имо-ишорат билан унга дакки бергандек бўларди. Охир оқибат Абдуллоҳ *қўшунбеги* бундай муросалардан янада қайсар ва журъати кўпроқ бўлиб, адабсизлик даражасига етди. Ваҳоланки салтанатнинг шон ва шавкати ҳурмат ва эҳтиромни талаб қиларди. Хон ҳам бундай муносабатлардан дилтанг бўлиб, ўзига нисбатан Сулаймон муомаласини қилишлари мумкинлигини тушунди.

⁷³¹ Қўшунбеги – кўш, қўшун кумондони, амири лашкар.

⁷³² Имомқулибек ибн Дўстқул баҳодир ибн Ражаббий ибн Фозил оталиқ ибн Ҳожи Султон (Рустамбий) ибн Шоҳрух Биринчи. Имомқулибек она томонидан Умархонга тоға бўлади. Дўстқул баҳодирнинг яна Ирсиқулибий, Ниёзқулибий, Жумъақулибий, Исломқулибий ва Тоғайқулибий исмли фарзандлари бўлган.

Баъзи улуғ сардорлар ва амирларни бир хилват жойда яширин чақириб, «Сизлар кимга аҳд-паймон қилгансизлар? Султонларинг ким?», деб сўради. Бу саволлардан улар ҳайрон бўлиб, ер ўпиш маросимини бажо келтириб, узр ва истиғфор тиллари билан жавоб бердилар: «Биздан бирор-бир гуноҳ содир бўлдимикинки, шунча ғазаб ва хитобга лойиқ бўлдик?». Хон деди: « Сизлар давлат ва салатанат ҳаққига бирор-бир беадаблик ва исён зоҳир бўлгани йўқ, сизлардан мен рози. Бироқ кўраяпсизлар бу одам, яъни Абдуллоҳ қўшунбегидан менинг шаним ва шавкатимга қандай беадаблик ва хавф зоҳир бўлаётир. Агарда яна биров сукут сақласам, ғафлатда қолсам ва кечиксам салатанат ва давлатимга зиён ва зарар тегади. Мен унга қарши гапирсам ва бирор-бир иш қилсам, хиёнат йўлига кириб Сулаймонхонга қилган муомаласини менга қилади. Бу одамнинг макр ва хийласидан мен хавфсиз эмасман. Энди шу мажлисимизда сизлар ўйлаб, бир фикрга келиб тўғри бир маслаҳат беришингиз лозим». Барча бир қарорга келиб арзга еткурдиларки, биз хоннинг ризожулари ва фармонбардорларимиз. Бизлар бир неча маротаба унинг қайсарлиги ва беадаблигини кўрганмиз, бироқ изҳор ва арз этишга журъатимиз етмади. Ҳазрати олий мартабали хондан уни йўқ қилиш учун ишорат ёки фармон содир бўлса уни йўқ қиламиз. Бироқ бу ишда давлатнинг энг катта амирлардан бўлмиш Идрисқулибек билан ҳам машварат қилсак яхши бўладир, зеро биз уни ўртадан кўтарсак унинг акаси Хўжанд *волийси* Абдурахмонбек ёмонлик ва фасод мақомига қадам босиши мумкин. Идрисқулибек Сулаймонхонни тахтдан туширишда улар билан ёр бўлганидан тез ваҳимага тушиб, фитна ва фасод ишларига улар билан иттифоқ тузиб давлатни синдиришга жаҳд қилсалар уларни дафъ қилиш мушкул бўлади. Фитна ва кўзғалиш ундан ҳам зоҳир бўлиши мумкин.

Арз ва сўзлар сидқидилдан ва ишнинг салоҳияти учун айтилганидан Идрисқулибекни ҳозир қилиш учун бир ишончли кишини юбордилар. Тез фурсатда у ҳам хон хизматиغا етиб келди. Бир неча кундан сўнг унга ҳам бир хилватда Абдуллоҳ қўшунбегининг беадаблиги ва итоатсизилигидан шикоят қилиб, иложини ҳам унга маълум қилдилар. Идрисқулибек қориндошлик урф-одатларига садоқатли киши эди. Бироқ замона хонига сирдош бўлиш шарафига мушарраф бўлгани, барча улуғлар орасида уни машварат бермоқ шарафига муяссар этганидан, чорасиз қолиб, деди: «биз бандалар давлат ишларида қандай қилиб ўз валинеъматларимиз билан шерик бўлишимиз мумкин!? Нусратпаноҳ саройнинг қайси бир мулозимидан салтанат ва давлатга хавф ва муҳолифат содир бўлса сиёсат қонуни бўйича жазо олиши, жазосига қолиши муқаррардир».

Мажлис тамом бўлгач Идрисқулибекни шоҳона кийимларни мурассаъ камари билан тақдирлаб, кетишга рухсат бердилар. Эртаси Абдуллоҳ қўшунбегини ушлаб ҳибсга ташлаши учун олий фармон берилди. Қўшиндаги сарҳанг ва масъуллар уни қидира бошладилар. Ҳеч тополмадилар. Уни шу куни эрталаб акаси Хўжанд ҳокими Абдурахмонбек қошига қочиб кетгани маълум бўлди:

Бо валинеъмат ар бурун ойи,
Гар сипехри, ту, сарнагун ойи.
[Валинеъматингга гар қилсанг хиёнат,
Осмондаги юлдуз бўлсанг ҳам ерга қулайсан].

Мансаб ва амалидан тушган Абдуллоҳ қўшунбеги акаси ҳузурига етгач, унинг биродари укасини иззат ва икром билан қабул қилиб, бағрига босиб зор-зор йиғлади. Ўшанда акаси фалаж бўлиб, иккала оёғи ишдан қолган эди. Шунга қарамасдан иккала биродар ёв бўлиб, исён ва кўзғолон уловига миниб, катта лашкар жамлаб, Сирдарёдан ўтиб Чустга равона бўлдилар. Бундан хабардор бўлган Абдулҳамидхон Нарботур зудлик билан ўз ихтиёрида бўлган лашкарни зафар байроғи соясига олиб, исёнчиларга қарши жазо бермоқ учун шошди. Сирдарёдан ўтиб, Ёзи ва Ашт дашти⁷³³ да иккала қўшин учрашиб катта муҳораба ва жанг бўлди. Нусрат шамоли хони олий томонидаги байроққа эсиб, Абдурахмонбек ва Абдуллоҳ қўшунбеги ўзларининг ёмон амалларига яраша жазо олиб, ўлдирилди. Фард:

Ҳар ки пўшад дийдаи инсоф аз ҳаққи намак,
Чашми умедаш зи мили яъс нобино шавад.
[Туз ҳаққидан инсоф дийдасини ёпган кишини,
Умид кўзлари ҳам ноумидлик мили⁷³⁴ билан кўр бўлар].

Нарботур деб атаган Абулҳамидхон ғайбдан етган фатҳ ва зафар билан душманини мағлуб ва саркўб қилиб, нусрат ва фирузмандилик билан давлатхонаси бўлмиш Хўқандга келиб тушди. Хўжанд вилоятини амирзода Ҳожибекка ва Намангон билан Тўрақўрғон⁷³⁵ ҳукуматини Шоҳрухбек укаларига берди.

⁷³³ Ёзи ва Ашт дашти – Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган ҳудуд.

⁷³⁴ Мил –темирдан ясалган игна. Жазолаш мақсадида уни қиздириб кўзга тортардилар.

⁷³⁵ Тўрақўрғон – ҳозир Наманган вилоятидаги шаҳар. Хонлик даврида Наманган ҳокимининг ўрдаси Тўрақўрғонда бўлган.

Шу орада Ўратепа *волийси* Фозилбий вафот этиб, ўрнига катта ўғли Худоёрбий тайинланди. Бир неча ой ўтгач ёшлик кибри ва ғуруридан Хўқанд хонига қаршилик бошлаб, отаси ва аждодлари танлаган тўғри йўлдан чиқди. Амирзода Ҳожибек акаси хизматида бўлган пайт, Худоёрбий фурсатни ғанимат деб билиб, Хўжанднинг ён атрофларига қўл чўзиб келди. Бу хабарнинг шуъласи олишон хон қалби замирига тобланиши билан Ҳожибекни ўз вилоятига юборди. Ўзи эса зафар келтирувчи лашкари билан орқадан Ўратепа ҳокими Худоёрбийни жазолаш учун йўлга чиқди. Хўжандга омон-эсон етиб келгач, амирзода Ҳожибек ва Идрискулибекни икки саф қўшин билан илғор этиб юборди ва ўзи ҳам нусратпаноҳ лашкари билан Ўратепа забти ва исёнчилар фирқасига жазо бериш учун шошди. Андак фурсатда Ўратепанинг саҳроси фирузасар лашкарнинг оту уловлари билан тўлиб кетди.

Худоёрбий бир неча кун қалъа деворини қалқондек бошига тортиб қаршилик кўрсатди. Охир-оқибат Ўратепа қалъаси шавкат паноҳ лашкар кучи билан эгалланди. Худоёрбий бир кеча ўзини бахтига ўхшаш қоп-қора тунда Самарқандга чиқиб қочти. Ўратепа музофотнинг сипоҳи ва раъияти итоат рағбати билан жаҳонпаноҳ саройига шошиб, хоннинг хусравдек лутфидан баҳраманд ва сарафроз бўлдилар. Марғинон ҳокими Идрискулибек ибн Дўсткулибек *баҳодирга* Хўжанд вилояти ҳамда Ўратепа мулки ҳукумати бериб бердилар. Марғинон амирзода Ҳожибекка берилди.

Ўша замонда хонзода Шохрухбек III нинг ҳаёт ниҳоли ёшлигининг баҳори авжида ўлим шамолидан сўлиб, фони жаҳондан кетди. Хон, сипоҳ ва раъият бир неча кун аза маросимини бажо келтириб, мусофир ва ғарибларга эҳсон ва ҳадялар улашиб, хатми қуръон қилиб савобини ўшал султонлик боғининг навниҳоли арвоҳига бахшида этдилар. Бу муҳим ишларни дўндираб дору-с-салтанат бўлмиш Хўқанди латифга қайтдилар.

Ўшал айёмда саййидлар паноҳи Эрдонахоннинг жияни (синглисининг ўғли) Хонхўжа узоқ йиллар Бухорода истиқомат қилиб, таҳсили илм қилиб дору-с-салтанат бўлмиш Хўқанди латиф шахрига қайтди. Хони олийгавҳарнинг назари кимёасарига кўринди. Шохрухбеки мағфурга тегишли бўлган Намангон ҳукумати саййидзодага берилди.

Хон бу ишлардан фориғ бўлгач адлу инсоф ва мамлакат ободончилиги билан машғул бўлди. Сўх ва Ҳушёр дарёлари⁷³⁶ дан катта анҳорлар қазиб чиқариб, яхши қишлоқ ва манзиллар барпо этди. Шу жумладан ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, илм толибларига тўла бўлган Минг ойим мадрасасини қурдириб, унга кўп вақфлар ажратилди. Бу мадрасани хоннинг хотини Минг ойим бино этган. Шу одил хон асрида бино этган иморатлар ва бошқа хайрия ишларини баён этсак, сўзимиз чўзилиб кетади ва мақсаддан узоқлашиб кетиш мумкин.

Шу орада Хўжанд ва Ўратепа музофотларининг ҳокими Идрискулибек *баҳодир* ўз ажали билан вафот қилади. Бу вилоят бир соҳиб вужуд ҳокимдан бўш қолганидан Шаҳрисабз *волийси* ва бошқа амирлар шафоати ва илтимослари билан Фарғона хонларига авлоддан-авлодларигача садоқатли хизматда бўлган ота-боболарининг жонсипорлиги туфайли гуноҳи кечирилиб, Самарқандда деҳқончилик қилиб юрган Худоёрбий олиб келиниб Ўратепага ҳоким этиб тайинланди. Хўжанд Идрискулибекнинг акаси Имомкулибекка бахшида этилди. Ҳар иккала ҳоким қимматбаҳо кийимлар, мурассаъ камар ва қиличлар билан тақдирланди.

Бир муддат ўтгач амирзода Ҳожибек акаси Нарботур Абдулҳамидхондан беҳуда ҳадиксираб, замин улардан тўла бўлган бир нечта қитмир ва бузғунчи кишиларнинг иғвоси билан Тошкентга қочиб кетиб, у ердан Бухорога борди. Ул замонда Бухоро амири Дониёлбий ўз табиий ажали билан бу фоний саройдан ... тарихда⁷³⁷ кўчиб кетди. Амир Дониёл ва Шохмурод ҳамда Бухоро тарихи тафсилотларида баёни ўтган эди. Дониёлбайдан бешта иззатли ва шонли ўғил, иккита хотин қолган. Бир хотинининг исми Жонакшоҳ, Элбарсхони Хоразмийнинг беваси эди. У Бухоро амири Раҳимбийнинг завжаси ҳам бўлиб, унинг вафотидан кейин Дониёлбий никоҳига олган эди. Бу хотиндан фарзанд бўлмаган. Бу бешта ўғил эса биринчи хотиндан. Барча тарихий китоблардаги маълумотлар бунга далилдир. Амир Дониёлнинг ёши етмиш бешда, ҳукумати ўн етти йил деб барча китобларда тўғри ёзилган.

Дониёлбийнинг биринчи фарзанди Шохмуродбий, иккинчиси Султон Муродбий, учинчиси Тўхтамишбий, тўртинчиси Умарбий ва бешинчиси Маҳмудбий бўлган. Тарих 1198/1783-1784 йили ўша вилоятнинг барча улуғлари, умаро ва уламоларининг иттифоқи билан Бухоро тахтига амир Шохмурод қарор топди. Шохмурод диндор бир киши бўлиб, сўфийлар кийимида юрган, барча бидъатларни йўққа чиқарган, адл ва инсофга ҳаракат қилган ҳукмдор бўлган. Бир неча бор эронийлар

⁷³⁶ Сўх ва Ҳушёр дарёлари – ҳозирги Сўх дарёси. Ҳушёр ҳозир Сўх тумани таркибидаги қишлоқ номи.

⁷³⁷ Сана келтирилмаган. Дониёлбий 1785 йили вафот этган.

билан муҳорабалар қилиб, охирги марта Марвни босиб олди ва укаси Умарбийни у ерда ҳоким тайинлаб, Бобоҳон Ахта⁷³⁸ тарафидан ҳукмронлик қилаётган Байрамалихон⁷³⁹ ни тутиб олиб ўлдирди. Унинг фарзадлари Ҳожихон ва Каримхонни ўша диёрнинг улуғлари ва барча хунармандлари билан Бухорога олиб келди. Айтадиларки, Бухорода бахмал, адрас, шоҳи (ипак), беқасаб, банорас ва шуларга ўхшаш каби тўқимачилик касблари марвлик эронийлар орқали тарқалган. Бундан олдин шундай нафис ва матолар Бухорода камроқ экан. Бундан ташқари қадимдан қолган Султон Санжар⁷⁴⁰ бино этган Банди Султон тўғониким, Марв воҳасини сув билан таъминлаб обод бўлишига хизмат қилар эди, амир Шоҳмурод буйруғи билан бузиб ташланди. Бу ўлка сувсиз қотқоқ ва қақир бўлиб қолди. Бу ерда амир Шоҳмурод кўлидан Марвни тортиб олиш учун Темуршоҳни қилган ҳаракатларини баён этиш жуда муносибдир. Иншаоллоҳ бу воқеа баён қилинажак. Умарбийдан кейин Марвда Шоҳмуроднинг ўғли Диншоҳ ҳукмронлик қилди. «Қазон тарихи» китоби⁷⁴¹нинг 176 саҳифасида амир Шоҳмурод зикрида бу воқеаларни ўқиб кенгроқ маълумот олиш мумкин.

Шу вақтларда Шаҳрисабз *волийси* Назарбий вафот қилиб, ўрнига Ниёзалибек ҳокимият тепасига чиқди. Ҳожихон ибн Байрамалихон Эроний амир Шоҳмуроддан қочиб, Ниёзалибек Шаҳрисабзий ҳузурига келди. У ерда бироз истиқомат этгач, Фарғона хони хизматига мушарраф бўлди. Ўз холи ва мақомига яраша ҳурмат ва иззат кўриб, бир неча йилдан кейин Эронга қайтди.

Юқорида қайд қилинган эдики, Ҳожибек Фарғоний амакиваччасидан (Норбутабекнинг укаси, акаси эмасми) беҳуда ҳадиксираб, ғаламис одамлар гапига ишониб, давлат ва ҳукуматни ғурбат ва машаққатга алмашди ва Бухорога келиб амир Шоҳмурод ҳузурида иззат ва икром билан кун кўрарди. Охир-оқибат мусофират юқини кўтара олмай, малул ҳолда ватан ҳавоси бошига тушди. Қоратегин йўли билан Андижонга келди. Давлатпаноҳ саройидан Ҳожибекка нисбатан бирор-бир амр ва фармон йўқлигидан Андижон умароси Ҳожибек меҳмондорчилиги билан машғул бўлиб, уни муносиб бир жойга туширдилар. Бу ҳолни маълум қилиш учун шавкатли саройга махфий бир нома юбордилар. Бундан хабар топган хон «Ҳумоюн узангиси етиб келгунга қадар хонзодани иззат-икромини мақомига етказиб, шундай меҳмондорчилик билан ушлаб турилсин», деган бир фармон юборди. Чопар кетидан салтанат пойтахтининг машойих ва уламоларидан бир нечасини танлаб панд насихат бериш учун Андижонга юбордилар. Хон бир кичик зафарга йўлдош сипоҳий ва узангиси аҳли билан Андижон сари йўл олди. Йўлларни босиб ўтиб хон ул билодга соясини ташлади. Ҳожибек барча уламо, машойих ва улуғлар билан истиқболга шошилиб, хон билан дийдор кўришди. Хижолат тер унинг пешонасидан оқиб тушганини Нарботур лақабли Абдулҳамидхон кўриб, амакиваччасининг (укаси) шарманда бўлишини пайқаб, лутф ва кўнгил сўраш учун саъй ва ҳаракат қилиб, уни хотиржам қилмоқчи бўлди. Салтант пойтахти бўлмиш Хўқандга қайтдилар.

Айтишларича, бир куни овқатланиш вақтида фаридун шонли хон хонзода Ҳожибекка иззат икром юзасидан таом ейишда унга илғор ва олдин бўлишни буюрди. Ҳожибек эса бу вилоят улуғларининг расму одати бўйича катталар олдида ҳурмат сақлаб, овқат пайтида улардан кейин таом ейишни бошлашни билиб, арз қилди: «отам мақомида бўлган Сиз жанобларидан олдин овқат емайман. Аждодларимнинг одоб ва услубларини кўлдан бой бермайман». Бу сўзлардан хон табассум қилиб, лутф ва меҳрибончилик билан деди: «Эй кўзларимнинг нури, сенинг хужаста табиатида бўлган шу яхши хулқ ва одоб билан қандай қилиб салтанат ва ҳукуматга розилик шевасини сақламай яна ҳукуматга даъво қиласан. Сабрли бўлгин. Агарда Худо такдир қилган бўлса вақту соати етиб келгани билан ҳукумат сенга берилади. Бу фоний ва бақосиз дунё сену мен кабиларни жуда кўп кўрган». Сидқидил билан айтилган бу сўзлардан мажлис аҳли ҳам рикқатга келиб, шоҳ ва шоҳзода бир-бирларини кўксиларига босиб йиғладилар, бундан буён муҳолифат қилмаслик ва айрилмаслик учун қаттиқ аҳд қилиб, сўз бердилар. Қитъа:

Ба ширинзабонию лутфи хуши,
Тавони ки мардум ба мўе каши.
Миёни ду нодон зи ахлоқи бад,
Ажаб нест занжирҳо бигсалад.
[Ширин сўз ва лутф билан,

⁷³⁸ Эрон шоҳи Оғо Муҳаммадшоҳ қожор кўзда тутилмоқда. У тахтга чиқишдан олдин душманлари томонидан асир олиниб, ахта қилинади. Номи бобосининг исми билан бир хил бўлгани учун уни “Бобоҳон” ҳам дейишган.

⁷³⁹ 1780 йиллари Байрамалихон қожор Марв ҳокими бўлган. Туркменистондаги ҳозирги Байрамали шаҳрига шу киши асос солган. Унинг отаси ўрнига қолган ўғли Ҳусайнхонни Бухоро амири 1787 йили оиласи билан асир олиб, оила аъзоларини бир-бир ўлдиради, Ҳусайнхон эса Фатҳали шоҳ даврида қочиб қутулганча бир амаллаб Техронга етиб олади. Бу ерда шу воқеалар назарда тутилмоқда.

⁷⁴⁰ Султон Санжар/Синжар – салжуқийлар султони Санжар (1118-1157) назарда тутилмоқда.

⁷⁴¹ “Қазон тарихи” китоби – татар халқи маорифчиси Шихобиддин ал-Маржонийнинг асари.

Барча халқни бир соч толаси билан боғлаш мумкин.
Иккита нодон орасидага ёмон хулқ эса,
Ажаб эмаски барча занжирларни йиртиб кетса].

Шу фархунда йилида қалмоқларнинг ҳукмдори Қунк Тожи ўлим қўлига асир тушиб вафот этди. У жуда тадбирли, иш билармон эди. Аҳли ислом раъияти билан муроса ва келишган ҳолда муносабат қилган. Унинг даврида қалмоқ сипоҳидан бирор-бир аскар мусулмонларга нисбатан зулм ва зўравонлик қилмаган. Бож ва хирожни ҳам мусулмонларга оғирлиги тушмайдиган қилиб тайинлаган эди. Раъиятга босим ўтказмаган. Унинг вафотидан сўнг бир тажрибасиз ва ақлсиз бир ёш йигит қалмоқларга ҳукмдор бўлди. Ҳукумат ишларини ҳам онда-сонда бажариб, қалмоқия фирқаси кўчманчи, шаҳарли (ўтроқ), Дашти қипчоқ, Туркистон ва Тошканд мусулмонларига зулм қила бошлади. Аҳолининг оҳи кўк осмонга етди. Мусулмонлар қози ул-ҳожот саройидан бу балонинг дафъини сўрадилар. Ҳар тоифанинг билгичлари мамлакат ва элларининг кутқариш чора-тадбирини қидирардилар. Аллоҳ таоло кенг карамидан қалмоқия тоифаси орасида бир касаллик тарқалди. Уни шу мамлакатнинг форсийзабон аҳолиси «обилаи тифлон», Фарғона турклари эса «чечак» демишлар. Шу мараздан қалмоқия фирқасининг ишбилармон баҳодирлари йўқлик оламига кетдилар. Баъзи ривоятларга қараганда улар «ҳасба», форсийда «сурхак» ва шу ер туркийсида «кизамик» касаллиги шу қавм ҳалокатига сабаб бўлган эмиш. Шу сабабдан бу қавмнинг кучи заифлик ва футуротга дуч келиб ислом аҳлидан бўлмиш кўчманчи ва ҳам шаҳарли аҳоли ул тоифага бож ва хирож тўлашдан воз кечдилар. Шу воқеалар давомида бу ўлканинг кўчманчи мусулмонлари орасиданким, уларни бу мамлакатда қозоқ, деб айтадилар ва улар ҳам бир неча фирқа ва қабилаларга бўлинадики, ҳар бир алоҳида ном ва лақабга эга. Жумладан, Улуғ йуз, Ўрта йуз ва Кичик йуз (элатлари), *найман*⁷⁴² қабиласи, *абах*⁷⁴³, *тароқли*⁷⁴⁴, *аргин*⁷⁴⁵, *қўнғирот*⁷⁴⁶, қипчоқлардан бир гуруҳ хушёр сардорлари йиғилишиб мажлис қилдилар. Қалмоқ зулми ва жафосидан озод бўлиш учун машварат қилиб, оқибат Чингиз авлодидан Абулфайзхонним, ўзбек ва қозоқ халқи уни Абулайхон⁷⁴⁷ дердилар ва шу ном

⁷⁴² Найманлар – ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, нўғой ва олтой халқлари таркибига кирган қабилла уюшмаси. Олимларнинг маълумотларига қараганда ўзбек найманлари Зарафшон водийси (63 та қишлоғида), Фарғона водийси, Хоразм воҳаси, Қорақалпоғистон, Қашқадарё ва Сурхондарёнинг Термиз туманида қўнғиротлар биланн бирга яшаб келишган. Кейинчалик дастлаб Афғонистоннинг Балх вилоятига, сўнгра Зарафшон водийсига кўчиб кетишган. Ўзбек найманлари XIX асрнинг охирида 3 та йирик уруққа бўлинган: қўштамғали, садирбеги, увахтамғали. Булардан ташқари, найманларда бир қанча уруғ бўлимлари ҳам мавжуд бўлган: ағран, айрончи, бадир, бия, боғанали, болтали, букалай, бурунсов, жагалбойли, жостовон, жилонли (илонли), жумалоқ бош, олти ота, олти ўғил, оқ тунли, сегиз урув (саккиз уруғ), сари найман, туртул (тўрт ўғил), тўрттамғали, ургуч, украш, чанғали, чўмичли, ғозоёкли, қорагадой, қорасирак, қарғали, қилтамғали, култамғали ва б. Нарпай туманидаги найманлар: пўлатчи, улус, зарман, кичкилдик, оснайман. Аччили найман, каттаки, найман, тўрғоқ найман, уйшун найманларга ҳам бўлинган.

Ўзбек найманлари авлодларини бошқа қавмлар таркибидан ҳам учратиш мумкин. Масалан, ўзбек саройларининг энг йирик тўрт уруғидан бири найман-сарой деб номланган. Шунингдек, қипчоқсаройда чоркуса найман, қўштамғали сарой ва қўнғирот саройда ҳам найманлар тармоғи бор. Ҳаттоки ўзбек кенагаслари ва жузлари таркибида ҳам найманлар шохобчаси учрайди. Бу ҳолат ўзбек қавмларининг этногенези муштараклигидан, ўзаро этногенетик ва этномаданий алоқалардан далолат беради.

Найманлар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Бошқирдистон, Татаристон ва Мўғулистон ҳудудларида ҳам яшаганлар.

⁷⁴³ Абах/абахат – қўнғиротлар таркибидаги уруғ номи.

⁷⁴⁴ Тароқли – қиёт ва қўнғиротлар таркибидаги уруғ.

⁷⁴⁵ Арғинлар – 1) Ўрта жуз, қисман Кичик жуз таркибига кирган қозоқларнинг кўп сонли қабиласи. XIX аср охирида улар 500 минг киши бўлган. Арғинлар XV асрда қозоқ элатининг шаклланишида иштирок этган асосий бўғинлар қаторига қиради. Шарқий Қозоғистон ҳудудида кўчманчилик биланн машғул бўлишган. Арғин тили – ҳозирги қозоқ адабий тилига асос бўлган қозоқ тилининг шимол-шарқий лаҳжаси. 2) Ўзбеклар ва қирғизлар таркибидаги уруғ. Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида арғу тарзида учрайди. Арғин Тошкент, Сирдарё, Самарканд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистонда ҳам этноним ёки топоним сифатида учраб туради.

⁷⁴⁶ Қўнғиротлар – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Илк ўрта асрларда Олтой, Мўғулистоннинг шимолий қисмида яшаганлар. Ўрта Осиёда турли кўчманчи туркий қабилла ва уруғлар қўнғиротлар атрофида уюшиб, уларнинг қабилавий номини қабул қилишган. XIV асрда Хоразмда қўнғиротлар зодагонлари орасидан суфийлар сулоласи ҳокимият тепасига келган. XVI асрда улар Ўзбек улусидаги туркий қабилалар таркибига кирган. Улус парчаланиши билан қўнғиротлар ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва бошқа халқлар таркибига кирган. XIV–XVI асрлар давомида қўнғиротларнинг айрим гуруҳлари Хуросон, Шимолий Афғонистон ва Ҳисор-Шеробод водийсига келиб ўрнашганлар. Этнограф Б. Х. Кармишева қўнғиротларни 5 та катта уруғдан: вахтамғали, қўштамғали, қонжиғали, ойинли ва тортувлидан иборат эканлигини кўрсатган. Қўнғиротлар орасида энг катта гуруҳ вахтамғали бўлиб, у 18 та катта уруққа бўлинади: очамайли, боймоқли, тароқли, чанчикли, қозоёкли, чўмичли, қайчили, ишқили, қийғочли, жилонтамғали, болғали, қора қўнғирот, буғажили, уювли, хандақли, ирғоқли, абокли, кесовли. XIX аср охири XX асрнинг бошларида Қўнғиротларнинг аксарияти ярим ўтроқ ҳолда яшаб, хўжалигида чорвачилик муҳим роль ўйнаган.

⁷⁴⁷ Абулай/Аблай, Абулайхон номи билан донгдор бўлган Абулфайзхон – Аблайхон (?–1781) – қозоқларнинг Ўрта жуз (Ўрда) султони, хони (1771 й.дан). 1740 йдан Россия фуқаролигига ўтишга мажбур бўлди ва Россия биланн савдо

билан шуҳрат топган эди. Қизилжар деган мавзеда хонлик тахтига кўтардилар. Унинг итоати байроғи остида ҳар тоифадан катта лашкар жам бўлиб, қалмоқ қавмини йўқ қилиш учун равона бўлишди.

Аҳли исломнинг қалмоқ қавмига қарши хуруж қилгани қалмоқларга маълум бўлгач улар ҳам кўпсонли лашкар билан Дашти қипчоқнинг шарқида келдилар. Икки лашкар шу ерда учрашганда аҳли ислом лашкари ўзларини душман қўшинининг бешдан бирига тенг келганини фаҳмладилар ва жанг қилишга журъат этолмадилар. Лашкар қароргоҳи учун бир жой тайинлаб атрофини кавлаб хандақ шаклига келтирдилар. Шох-шиббалар ва тупроқдан бир девор ҳам кўтардилар. Унинг орқасида мудофаа ва муҳорабага машғул бўлдилар. Ён-атрофдаги қабила ва уруғларга ёрдам сўраб тавочи⁷⁴⁸лар ва чопарлар юбордилар. Ҳақиқий Подшоҳ бўлмиш Аллоҳдан фатҳ ва нусрат сўрадилар. Чопарлар мақсадлари манзилига етиб борганда, Абулайхон деб аташган Абулфайзхоннинг хотиниким, ул замоннинг нодираси ва оқилаларидан эди, қабилалар бошлиқлари аёлларини йиғиб, уларга деди: «Эрларимиз ғарибликда кофирлар жанги билан машғул. Ғалаба қилсалар муродга етармиз, илло мағлуб бўлсалар миллат ва ватанимиз қалмоқ лашкарининг оёқи остида пайхон бўлади, хотин ва бола-чақалар қалмоқ кофирлари қўлиги асир тушадилар. Менга қолса биз ҳам лашкар йиғиб эрларимиз қошига борсак. Аллоҳ таолло бизни ҳам инсон қилиб яратган. Нима бўлса ҳам эрларимиз хузурида бўлишимиз керак. Уларсиз асирликда ҳаёт кечириш ўлимдан ҳам ёмондир». Хотиннинг мардона сўзларидан, улуғ аёлларнинг томирлари ҳаракатга келиб, аёл ва эркаклардан катта бир қўшин йиғдилар. Абулфайзхоннинг хотини шу сипоҳнинг маликаси бўлиб, ҳар бир аёлга эри қайси мансаб ва амалда бўлса ўшани бериб, Абулайхон лақабли Абулфайзхон мададига шошдилар. Ўзларидан олдин Абулфайзхон хузурига хабарчиларни юбордилар. Чопарлар хушxabарни олиб келганларида аҳли ислом лашкарида нон ва таом, егулик қолмаган эди. Ёрдам йўқлигидан хафа бўлиб, энди шу куни хандақдан ўтиб душман билан жанг қилишга, кофир қалмоқия сафига ҳужум қилишга қарор қилган эдилар.

Хотинларини ёрдамга келишларини эшитиб, ислом лашкаридаги эркаклар томирида ҳам ғайрат ва шижоат жўш уриб ўртада гап бўлдики, «хотинларимизда шунча ҳиммат бор экан, биз эркаклар ҳиммат ва шижоатда хотинларимиздан орқада қолсак, хотинлар душман қўлидан бизни озод этса нима бўлади?», дебон хандақдан ўтиб, сафларини ростлаб қалмоқия фирқасининг лашкарига ташландилар. Икки тарафдан ҳам аямасдан қаттиқ урушга киришилди. Қалмоқия лашкари мусулмонларда бунча журъат қаердан пайдо бўлишини билмай ҳайратда қолишди. Бир вақт сахро тарафидан чангу ғубор кўтарилди. Қалмоқия фирқаси ислом лашкари катта бир сипоҳ ёрдам учун етиб келиши натижасида бундай жасур, мард ва шижоатли бўлганини фаҳмлаб, воҳимага тушди. Қўрқув ва титроқ уларни эгаллаб қочишни ихтиёр этдилар. Ислом сипоҳи ул малъунлардан кўпларини қилич дамидан ўтказиб, жаҳаннамга равона қилдилар. Қолганлари ҳар тарафга тарқалиб, қочиб кетишди «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган. Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир»⁷⁴⁹.

Мусулмонлар бу улуғ ғалаба ва улкан ҳадядан шод бўлиб, шукрона саждасини беминнат Аллоҳ шарафига бажо келтириб, ўзларининг олийҳиммат хотинлари билан учрашиб, мардлик ҳимматларига офаринлар дедилар. Маснавий:

Чи хуш гуфт Фирдавсии хуш калом,
Ки бодо мақомаш ба дору-с-салом.
На ҳар зан зан асту, на ҳар мард мард,
Худо панж ангушт баробар накард.
[Хуш калом Фирдавси яхши бир сўз айтган,
Унинг жойи жаннатда бўлсин.
Ҳар қандай хотин хотин эмас, ҳар қандай эр эса эркак,
Шунинг учун Худо беш панжани тенг қилмаган].

Бу очик ғалабадан сўнг Дашти Қипчоқ ва Туркистонда истиқомат қилаётган барча қалмоқларнинг димоғидан тириклик кўпориб ташланди.

Ҳозир ҳам Тошканд вилояти ва унинг атрофида ул шум қавмдан қолган эди. Улар билан Қалмоқ чофқон (чопган) деган жойда яна бир аёвсиз урушлар бўлган. Натижада ислом лашкари ғалаба қилиб, қалмоқларнинг қора бахтларининг байроғи пастга туширилди. Дашти Қипчоқ, Туркистон ва Тошканд мамлакатининг юзи буткул дин ва миллат душманидан соф ва тоза бўлди.

муносабатлари олиб борди. Ўрта жуз, қисман Катта жуз қозоқларини, қирғизларнинг баъзи уруғларини ўз ҳукмронлиги остида бирлаштиришга эришган.

⁷⁴⁸ Тавочи – ҳарбий мансабдор. Ҳарбий юриш ва муҳорабалар олдидан қўшинга керакли нарсаларни тайёрлаб берадиган амалдор. Қўшин, аҳоли ва асирлар устидан назорат қиларди.

⁷⁴⁹ Қуръони карим, 2:249.

Бу ишлардан фориг бўлгач Абулайхон номи билан донгдор бўлган Абулфайзхон тахти тасарруфида бўлган бу вилоят ва музофотни мусулмон қабила ва тоифаларга, яъни бугунги кунда қозоқия номи билан маълум бўлган халққа бўлиб бердилар. Чимкент *чимир*⁷⁵⁰ жамоаси чекига тушди, Тошкент билоди тўрт аркон (даҳа)га бўлгани боис, Бешёғоч рукни (даҳаси) *шайхим*⁷⁵¹ тоифасига, Кўкча *қўнғирот* ва *ўрта йузга*, Себзор *жиниш*⁷⁵² фирқасига, Шайх Хованд тухур эса *сиргали*, *эсли* ва *учоқли*⁷⁵³ қабилларга берилди. Чинос *қулош*⁷⁵⁴ ва *найман* ва шунга ўхшаш жамоаларига, Фаркат қишлоқи *чақчам*⁷⁵⁵ қабиласига берилди. Шаҳарликлар ва қишлоқларда яшаётган аҳолини уларга тобеъ ва раъият қилиб тайинлаб ўзи Қизилжарга, ўз манзилига қайтиб кетди. Мазкур қабилаларнинг номлари жуда кўп, уларнинг тафсилоти бир ҳаммаси зикр қилинди. Яна уни давом этсак сўз чўзилиб кетади. Хуллас ба кўчманчи қавмга ҳукумат тегиб, улар ёз фаслида тоғларга бориб, қишда шаҳар ва қишлоқларга яқин жойларга келиб истиқомат қилардилар. Ниёзбек Тўлабийнинг ўғли *жиниш* қабиласидан ва Бой Табак дегани *сиргали*нинг *қиёт* ва *қибрай*⁷⁵⁶ тоифасидан яшаш учун ўзларига қалъалар курдилар. Ҳозиргача бу мавзелар уларнинг номлари билан маълум.

Улар баъзи бир шайх ва хўжаларни ўзларига пир ва муршид қилиб, уларга ихлос ва эътиқод кўйиб, бож ва хирождан, ҳар хил олуқ ва солуқлардан озод этгандилар.

Бир неча йилдан сўнг қозоқ ва қирғиз кўчманчиларидан ҳоло *сартия*⁷⁵⁷ номи билан машҳур бўлган шаҳар ва қишлоқ аҳолисига кўп жабр ва жафолар етди. Сартия улуғлари ўзаро машварат қилиб қозоқ кўчманчилари зулмидан қандай халос бўлиш йўллари изладилар. Охири билимли хўжалардан бирини ўз вилоятларида *волий* этиб, кўчманчи қозоқ ва қирғизлар билан уруш қилишга маслаҳат қилинди.

Бироқ бошқа гуруҳ ишнинг салоҳиятини шунда кўрдиларки, кўчманчи қозоқлар ичида бўлган ва уларнинг ҳол-аҳволидан, ҳаракатларидан дойим хабардор бўлиб тураётган шайх ва машойихларимизни машваратимиз мажлисига даъват этсак. Уларнинг билимлари ва тадбирлари тирноқи билан бу ишларнинг бош каловасидаги боғлам очилиши мумкин бўлар. Мажлис иштирокчилари бу фикри тўғри ва дуруст деб топдилар. Кўчманчилар ва қозоқия тоифалари ичида бўлган шайх ва пирларидан уч нафарига ўз сирларини эҳтиёт қилиб ошкор қилишга қарор қилиб ва бир сўзамол ва айтқич кишини Юнусхўжа Иноятхўжа ўғли, Бадалхўжа ва Мулло Шамсиддин хузурларига юбориб ўз мажлисларига даъват қилдилар. Учала муршидлар ваъдаланган жойга келиб, машварат маҳфилига кириб, аҳд ва сўз берганларидан сўнг мақсад устидан пардани барча халққа суҳандонлиги ва тилмочлиги билан писанд бўлган Бешёғоч даҳасидан Солиҳ *оқсоқол* кўтариб, узок сўзлашдан сўнг гапининг индоллосида деди: «Бундай маҳалда барчани йиғишдан мақсад ватан ва миллатимиз номусини ёклашдир. Ҳаммага маълумки, бу кўчманчи қозоқия тоифасидан барча миллат ва ватандошларимизга жуда кўп зулм ва ситамлар етаётир. Мол ва мулкимизга улар хўжайин бўлиб олишган. Мулкимизга эгалик қилиш учун журъат ва ғайратимиз етмаётир. Хотинларимиз уларга чўри, эрлари эса уларга қул, оту туяларига чўпон ва итбоқар бўлиб юришибди. Агарда биз адолат кўзи билан аҳволимизга қарасак дарҳақиқат кўчманчи қозоқларнинг асир ва бандиларига айланганмиз. Душманларимизнинг кулгиси ва дўстларимизнинг йиғлашига сабаб бўлибмиз. Қачонгача бундай хору зорликка тоқат ва то кай бундай хорликка чидаш мумкин!? Бундай бадном ва беномус бўлиб яшашдан ўлганимиз яхши! Энди ибрат кўзимизни очиш вақти етди. Ватанимиз ва миллатимизни халос қилиш учун чора ва тадбир топишимиз лозим. Барча диндошларимизнинг ваколати билан мен сизларга бу арзни етказдим. Маслаҳат ва қарор қабул қилиш сизлардан».

Мажлис иштирокчилари турли фикр ва чораларни илгари сурдилар. Юнусхўжа деди: «қозоқ тоифалари аксарият яхши ва бой яшайдилар. Бироқ улардан бўлган қангли⁷⁵⁸ ва санчиқли⁷⁵⁹

⁷⁵⁰ Чимир/шимир – қозоқлар таркибидаги уруғ.

⁷⁵¹ Шайхим – қипчоқ (қозоқ)лар таркибидаги уруғ.

⁷⁵² Жиниш/жениш – қипчоқ (қозоқ)лар таркибидаги уруғ.

⁷⁵³ Сиргали, эсли ва учоқли – қипчоқ (қозоқ)ларнинг курама эли таркибидаги уруғ.

⁷⁵⁴ Қулош – қозоқлар таркибидаги уруғ.

⁷⁵⁵ Чақчам – қозоқлар таркибидаги уруғ.

⁷⁵⁶ Қиёт ва қибрай – қипчоқ (қозоқ)ларнинг курама эли таркибидаги уруғлар.

⁷⁵⁷ Сартия/сартлар – тожик ва ўзбек тилларида сўзловувчи Ўрта Осий шаҳарларининг аҳолиси. Сарт сўзи қадимда қарвонбоши, савдогар маъноларида ишлатилган.

⁷⁵⁸ Қангли – қангли, қанқали туркий халқлар таркибидаги бир гуруҳ қабилаларнинг умумий номи. Қангли ўзбекларнинг 92 уруғи таркибида ҳам учрайди. Чингизхон истилосига қадар қангли Урал тоғидан ғарбда, Эмба ва Урал дарёлари оралиғида жойлашган ҳудудда яшаганлар. Улар бир неча уруғларга бўлинган: сари-қангли, қора-қангли, қизил-қангли, бобо-қангли, олтмиш-қангли, бўка-қангли ва б.

⁷⁵⁹ Санчиқли – туркий қабила номи. Ўзбек ва қозоқ халқлари таркибига кирган этник гуруҳ.

қабилаларига тақсимот натижасида нообод ва суви кам жойлар теккан. Шунинг учун улар танглик ва машаққатда умр кўрмоқдалар. Уларнинг ўз яшаш жойларидан узоққа тушишларининг сабаби шулким, Абулайхон лақабли Абулфайзхон хуружи ва уни қалмоқлар билан олиб борган жанглари вақтида барча қабилалар урушда қатнашгану бироқ қангли ва санчиқли қабиласидан ҳеч ким ҳозир бўлмаган. Мол ва одам билан ҳам ёрдам бермаганлар. Шунинг учун ҳам ҳар бир қabila муайян ўз макон ва мавзеига эга бўлдилар. Бу қабилаларга эса бошқа жойларга кўчиб келишлари учун бошқа қавмлар йўл бермайдилар. Агарда шу иккала қabila, яъни қангли ва санчиқлини яхши мавзе ва маконга эга бўлишни ваъда бериб, бошқа қабилаларга қарши қўйсақ, мушкулотимиз осонгина ҳал бўлиши мумкин. Бундан ташқари шу иккала тоифада уруш ва жанг ёв-яроқлари жуда кўп, жангчилари ҳам бисёр». Мажлис иштирокчилари бу фикр ва маслаҳати учун Юнусхўжага таҳсинлар айтди.

Мажлис аҳли Юнусхўжанинг ўзи айна шу қангли ва санчиқли қабилаларининг пири ва муршиди бўлганидан улар билан алоқа ўрнатиш ва элчилик қилишни ўзига топширдилар. Юнусхўжага Шайх Хованди Тахур даҳасидан бўлгани учун шу даҳа ҳукуматини ҳам унга бердилар. Себзор ва Кўкча даҳаларининг ҳукуматини Бадалхўжа Себзорийга, Бешоғоч даҳаси ҳукуматини Мулло Шамсиддин ва Солиҳ оқсоқол Бешоғочийга бердилар. Шундан кейин қарорларига мустаҳкам туриш учун аҳд ва паймонлар қилиб ҳар ким ўз уйига қайтди.

Юнусхўжа қангли ва санчиқли орасига бориб, лутфомуз сўзлар ва макру ҳийла билан шу иккала қабилани бошқа тоифаларга қарши ҳаракатга индаб, шаҳарликлар ва сартия аҳолиси билан ёр бўлиб, жанг ва уруш қилмоққа даъват қилди. Бир ишончли чопарни ҳаммақсад гавҳари қўлга текканидан хабар бериш учун жўнатди. Хатда эса «шаҳарликлар ва сарт аҳолисини жанг ва уруш асбоб-усканаларини ҳозирлаб, уч кун давомида мудофаа ва муҳорабага тайёр бўлишларини, кейин шаҳар ичида бу шайтон жамоасидан ким бўлмасин тутиб олиб, жидду-жаҳд билан қатл қилишларини уқтирди. Белгиланган кун эса биз ҳам бошқа қабилаларга қарши урушга борамиз», деб ёзган эди.

Шаҳар улуғлари бу хушxabарни олиб аср намози вақтида Жомеъ ва барча бошқа масжидлар жамоасига буни маълум қилдилар. Бирдан шаҳар аҳолиси ҳаракатга келди. Асбоб ва ускунадан ниманики топган бўлсалар қўлга олиб, белгиланган кунни интиқлик билан кутардилар. Ўша икки тоифа Юнусхўжани ўзларига сардор қилдилар. Ўзларига яқин бўлган қиёт⁷⁶⁰ ва турк қабилаларини ҳам иттифоқчи қилиб, ваъдаланган кунда қангли, санчиқли, қиёт ва турк қабилалари гуруҳ-гуруҳ бўлиб, номлари тилга олинган бошқа қабилаларга қарши юриш бошладилар. Аввал дулат⁷⁶¹ қабиласига ўлим хабари етди. Улар устидан ғалаба қозониб, барча мол-мулкларини хароб ва бойликларини талон-тарож айлаб, иккинчи куниси сирғали устидан зафар қозондилар. Фаркат ва Еттикент аҳолиси ҳам қозоқиядан зулм ва ситам кўрганлари боис кетмону ўроқ ва калтакларни қўлга олиб, уларни йўқ қилиш учун кўзғолдилар. Хўжа Келди мерган деган Номдонг қишлоғининг бир улуғи ва Юнусхўжа қариндошларидан Ойхўжа дегани сартларнинг катта бир гуруҳи билан, Юнусхўжа ҳамда қангли, санчиқли, қиёт ва турк қабилаларига мадад бериш учун етиб келиб, жанг ва савашлар барпо этиб, биргаликда барча тоифалар устидан ғалаба қилиб, молу мулклари ва бойликларини қўлга олдилар. Мағлуб бўлган қабилалар Тошканд ва унинг атрофидан жилойи ватан қилиб узоқ жой ва мавзеларга кетдилар.

Зафар ва ғалабадан сўнг сартиянинг улуғлари, яъни шаҳарликлар, қишлоқ аҳолиси, қангли, санчиқли, қиёт ва турк қабилалари биргалашиб, бир кенг жойни танлаб мол ва қўйлар сўйиб, турли-туман таомлар пишириб, шарбатлар тайёрлаб катта зиёфат бердилар. Бир-бирларини муборакбод этиб, қангли, санчиқли, қиёт ва турк қабилаларига обод ва кўнгилочар жойлар тайин этдилар. Тошканд ва унинг атрофидаги жой ва саҳролар бошқарувини мазкур тўрт қабиллага бердилар. Хўжа Келди мерган Фаркент ва Еттикент⁷⁶²нинг ҳокими бўлди. Тошкандда Юнусхўжа, Бадалхўжа, Мулло Шамсиддин ва Солиҳ оқсоқол, юқорида баён қилганидек, чор ҳоким бўлиб амну омонлик билан ҳукм сурардилар.

⁷⁶⁰ Қиёт – қадимий туркий қабилалардан бири; ўғузлар таркибига кирган. VII–X асрларда Дашти Қипчоқда яшаб кўчманчи чорвачилик билан шуғулланганлар. Ўғузлар давлати емирилгач, XI асрда қиётлар ҳам бўлиниб кетган. Уларнинг катта қисми Туркманистон худудига силжиб маҳаллий аҳолига, бошқа қисми эса Болқон яриморлидаги халқлар таркибига сингиб кетган. Дашти Қипчоқ чўлларида қолган қозоқ, қорақалпоқ халқларининг таркибий қисмларидан бирини ташкил этган. Қорақалпоқдар таркибидаги қиётлар 3 га бўлинган: уч-тамғали, тароқли, болғали. Қашқадарёнинг юқори оқими, Хоразм ва Бухоро воҳалари, шунингдек, Зарафшоннинг ўрта оқимида қиётлар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган.

⁷⁶¹ Дулат/дуғлат/дувлат/дуғлот – қирғизларда манақ уруғига кирган бир тармоқ. Қозоқ, ўзбек, туркман ва бошқа туркий халқлар таркиба кирган қabila.

⁷⁶² Фаркент – ҳозирги Паркент тумани ва унинг маркази номи.

Уч йилдан кейин чор ҳокимликнинг иттифоқи душманликка айланиб, Юнусхўжа хийла ва найранг билан Себзор ва Кўкча даҳасининг ҳокими Бадалхўжани порахурликда айблаб ўлдиртирди. Беш оғоч даҳасининг ҳокимлари Мулло Шамсиддин ва Солиҳ оксоқолни зиёфатга чақириб захар бериб, ўлдирди. Унинг муридлари ва мухлислари бўлган *санчиқли* ва *қангли* қабилалари ёрдамида Юнусхўжа Тошканднинг ҳар тўртала даҳасига мустақил ҳоким бўлиб олди. Еттикент ва Фаркент ҳокими Хўжа Келди мерганни бенамозликда айблаб, *санчиқли* кўчманчиларига: «Фаркент ҳокими Хўжа Келди мерган жуда катта бойлик тўплаган. Унинг молу мулкани сизларга бахшида этдим. Бориб уни ва яқинларини уй-жойларини талон-тарож қилиб, ўзини барча яқинлари ва кўч-кўрони билан ҳузуримга олиб келинглари», деб фармон берди. Бундай буйруқни олган захоти ўша тарафга югурдилар ва Фаркент билан Еттикент ҳокими Хўжа Келди мерганни қариндошлари ва яқинлари билан тутиб олиб, қўл-оёқларига занжир боғлаб, қип-яланғоч Юнусхўжа ҳузурига олиб келдилар. Ўша захоти уни хотини, бола-чақаси ва яқинлари билан шаҳодат даражасига етказдилар. Унинг ўрнига қариндоши Ойхўжани Фаркент ва Еттикент ҳокими этиб тайинлаб, катта кўшин билан у ерга юборди. Бу ноҳиялар ҳам Юнусхўжа тасарруфига кирди. Келаси йили Пискент⁷⁶³, Кировчи ва Тилав⁷⁶⁴ ҳам босиб олинди. Юнусхўжа бошқараётган мулк шимолда Чимкент, шарқда ҳозир Писком номи билан маълум бўлган Пасткон, жанубда Кандир давони ва ғарбда Сирдарёсигача чўзилган эди. Лашкари эса *санчиқли*, *қангли* ва шаҳарликлар ҳисобидан йигирма минг нафарга етар эди. Юришлар вақтида эса сони янада ошар эди.

Илми тарих толиблари ва ўқувчиларнинг замири мунирларига маълум бўлсинким, Тошканд, Туркистон ва Дашти Қипчоқнинг ҳудудлари Фарғона вилояти билан ҳамсоя бўлганидан биров ўтиб Фарғона хонларининг меросий мулкларига ҳам даҳлат қила бошладилар. Шунинг учун ҳам бу ерларнинг тарихи ва бўлиб ўтган олдинги воқеалари, ҳукмронлари ҳақида қисқа маълумот берилди. Мутолаа қилувчилар ва ўқувчиларга яна кенгроқ маълумот олишлари учун шайбония ва аштархония хонлари ва ҳоқонлари тарихига мурожаат қилсинлар. Бундан ортиқча ёзиш биз учун ортиқча. Фарғона хонлари ҳолларининг кайфияти мақсадимиз эди. Шу мақсад сари қайтайлик.

Шу давру замонга яқин Ўратепа *волийси* Худоёрбек вафот этди. Фарғона хони лутфи билан акаси Бобобек унинг ўрнига тайинланиб, *парвоначи*⁷⁶⁵ мансаби билан ҳам тақдирланиб, сарафроз бўлди. Шу аснода амир Шоҳмурод Бухорий Ўратепа музофотига тама қилиб, катта лашкар билан юриш бошлади. Манзилларни босиб ўтгач, Зомин қалъасига етиб келиб уни ўровга олди. Қалъа ҳокими Худоёрбекнинг куёви Маҳмудхўжа қаршилик қилишга тоби етмай, қалъани ташлаб Ўратепага Бобобек *парвоначи* олдига келди. Ўратепа ҳокими Бобобек *парвоначи* бу даҳшатли хабарни эшитгач, ибодатчи чопарни Фарғона хони олий саройига юбориб, аҳвол тафсилотларини унга арз қилди. Фарғона хони ҳам бу хабарни эшитгач катта кўшин билан амир Шоҳмурод Бухорий дафъи учун чиқди. Тўртинчи куни Хўжандга кўниб, лашкарни икки гуруҳга бўлди. Катта ўғли Муҳаммадаминбек ва амакиваччаси Хонхўжага бир гуруҳини бериб, уларни илғор тариқасида юборди. Амир Шоҳмурод ҳам уларга қарши Кўш тегирмон⁷⁶⁶ деган жойга келиб кўш урган экан. Ўратепани босиб олиш унга муяссар бўлмаслигини тушуниб олиб амир ҳидоят паноҳи Мусахўжа Даҳбедийни (Даҳбед⁷⁶⁷ Самарқандга тобеъ жойлардан бўлади), элчилик тариқасида Фарғона хони хизматига юборди.

Саййидлар паноҳи Хўжанд шаҳридаги салтанатпаноҳ саройига келиб, уч кундан сўнг ҳумоюн хон ҳузурига кириб, кимёасар назарига тушди. Фасоҳат аломатли ва ширин сўзлар, яхши одоб ва расму ойин билан элчилик вазифасини дўндираб, сулҳ учун оят ва ҳадислардан далил ва бурҳонлар келтириб, кўнгилга ёқар сўзлар билан хон ва унинг аъёнларини рикқатга келтирди. Мажлис охирида мазкур саййиднинг иззат ва икромини учун турли егулик ва ичгуликлар ҳозир қилиб, бирга ўтириш учун хос бежоғлик дастурхон омода қилдилар. Олий зиёфатдан кейин саййидга маликларга хос кийимлар ва шоҳона эҳсонлар бериб қайтишга изн бердилар. Нажиблик дастгоҳи саййид Ҳакимхўжани яна уч нафар ишонарли давлат ходимлари билан сулҳу салоҳ тариқасини кўриб чиқиш учун элчилик учун хони Фарғона томонидан юборилди. Мазкур азизлар амир Шоҳмурод ҳузурига

⁷⁶³ Пискент/Пасткент – Тошкент вилоятида туман номи ва унинг маркази.

⁷⁶⁴ Кировчи ва Тилав – Кировчи Қурама мулкнинг маркази бўлган. Тошканд вилояти Пискент туманидаги қишлоқ. “Гулистон” жамоа хўжалиги таркибида. Тилав/Телов Оҳангарон туманидаги қишлоқ.

⁷⁶⁵ Парвоначи – парвона, яъни капалакдек хон (амир) ҳузурига кириб, ариза ва сўровларни олиб кириб, жавобини олиб чиқадиган амалдор.

⁷⁶⁶ Кўш тегирмон – ҳозирги Бағдод тумани (Фарғона вилояти)даги Кўштегирмон қишлоғи.

⁷⁶⁷ Даҳбед – Самарқанд яқинидаги жой. Маҳдуми Аъзам Косонийнинг мақбараси шу ерда. Унинг авлодлари ҳам шу қишлоқда яшаганлар.

бориб етиб, ҳурмат ва икром кўргач икки тараф вакилларининг иштирокида сулҳ учун баҳсларда қатнашдилар. Зомин қалъаси Ўратепа музофотига қайтарилди. Иккала давлатнинг чегараси бурунги ҳолатида қолдирилди ва иккала давлат ҳам зарар кўрмади. Қудрат паноҳи бўлган бу иккала ҳукмдор ўз давлатхоналарига қайтиб кетдилар. Фарғона хони Хўжанд ҳукуматини тобе ерлари билан ўз куёви Хонхўжага берди. Марғилонни хонзода Муҳаммадаминбекка, Намангон ҳукуматини шоҳзода Олимбекка бердилар.

Мулқдорлик ишларини тартибга келтириб хоннинг олий ҳиммати бир олий мадраса қуришга майл қилди. Тезкор меъморлар амри олийга мувофиқ зудлик билан бир олий иморатни қуриб битказдилар. Кўп вақфлар тайин қилинди. Мир мадрасаси номи билан машҳур бўлган бу шариф бино ҳозир ҳам илм толиблари билан тўла.

Ўша вақтларда тақдири илоҳий ва қазосидан шаҳзода Муҳаммадаминбек, хоннинг энг катта ўғли, Марғинон *волийси* ўта оғир бир касалликка чалинди. Ўша аср табиблари қанча уринмасинлар ҳам унга даво ва муолажа топмадилар. Ёшлик пайтида ўлим шарбатини ажал соқийси кўлидан олиб ичди. Йигирма саккиз ёшда эди. Саккиз йил Марғинонда ҳукм сурди. Ундан бир хотин ва бир қиз ёдгор қолди. Мавсуф яхши сифатлар ва маъқул ахлоққа эга эди. Падари бузруквори тақдирга тан беришдан бошқа чора топмай кўп хайрот ва инъомлар, хатми қуръонлар қилиб унинг арвоҳига бахшида этди. Фард:

Ҳар ки рози шуд аз қазойи Худо,
Баҳра меёбад аз ризойи Худо.
[Ким Худо қазою қадарига рози бўлса,
Худо розилигидан баҳраманд бўлар].

Ул замона шоирлари шаҳзода вафоти муносабати билан кўп марсия ва тарихлар ёзган. Жумладан бир таърих шудир:

Танҳо падар з-оташи фурқат насўхта,
Дилҳойи жумла мардуми Фарғона шуд кабоб.
Таърихи реҳлаташро пурсидамаш зи ғилмон,
Сар аз жинон кашида, «жанатмакон хон»⁷⁶⁸ гуфт⁷⁶⁹.
[Фақат ота айрилиқ оташидан ёнмади,
Фарғона халққининг юраклари куйиб кабоб бўлди.
Жаннатдаги фаришталардан вафоти тарихини сўрадим,
Жаннатдан бош тортиб «жаннатмакон хон» деди].

Шу 1215/1800-1801 йили амир Шоҳмуроди Бухорий ҳам охират саройига кўчиб кетди. Умри 64 да, ҳукмронлиги 14 йил бўлгани тўғридир. Ундан учта аржуманд ўғил ва иккита хотин қолган. Биринчи ўғил амир Ҳайдар⁷⁷⁰, иккинчиси Дин Носир тўра, учинчиси Муҳаммад Ҳасан тўра. Давлат арконлари иттифоқи билан Қаршида *волий* бўлиб турган амир Ҳайдар отаси Шоҳмурод амирлиги мақомига қойиммақом деб топилди. Ҳукмронликда ўзининг ота-боболаридан сабоқ бериш гўйини ютиб олди. Ака ва укалари ундан ҳадиксираб, Дин Носир Эрон шоҳи Фатҳалишоҳ⁷⁷¹ хизматига кетди. У ерда ҳурмат ва иззат топиб муқаддас Машҳадни истиқомати учун тайинладилар. Муҳаммад Ҳасан тўра эса Шаҳрисабз *волийси* Ниёзалибек ҳузурига кетди. Ниёзалибек қизини шаръий никоҳ билан Муҳаммад Ҳасан тўранинг хотинлик риштасига тортиб, шу азиз меҳмоннинг иззат ва икромига бел боғлади. Амир Ҳайдар биродарларидан хотиржам бўлиб Ҳисор тарафига кўшин тортиб уни тасхир қўлига олиб, у ернинг ҳокими Аллоҳберди Тоз⁷⁷²ни қатл этди ва у ернинг ҳукуматини Саййид Атолиқ йузга берди.

Бироз вақт ўтиши билан кўп сипоҳ бирла Шаҳрисабз тарафига ҳаракат қилди. Шаҳрисабз *волийси* Ниёзалибек бу хабарни эшитиб, мудофаа ва муҳораба асбобларини омода қилиш учун жидду жаҳд билан киришди. Амир Ҳайдар бир неча ой бу ўлкани қамал қилди. Икки тарафдан ҳам жанг ва

⁷⁶⁸ Таърих моддаси жаннат сўзидан “жим” ҳарфини камайтурса 1215/1800–1801 йилни беради.

⁷⁶⁹ Ҳошияда бу нусха ҳам келтирилган: Бинхуфта рўзи *жаннат*, “жаннатмакон хон” гуфт (Жаннатдан юз ўгириб, “жаннатмакон хон”, деди).

⁷⁷⁰ Амир Ҳайдар Шоҳмурод ўғли 1800–1825 йиллари Бухорода амир эди.

⁷⁷¹ Эрон шоҳи Фатҳалишоҳ – Фатҳалишоҳ қожор – Асли Туркистон шаҳридан кетиб, аввал Марвда ҳокимлик қилган, Нодиршоҳ вафотидан сўнг (1747) Эронда шоҳлик тахтини эгаллаган туркий қожор уруғи сулоласининг вакили Фатҳалишоҳ (ҳақиқий исми – Бобоҳон) (1766/71–1834.24.10, Қум шаҳрида дафн этилган) – қожарлар сулоласидан бўлган Эрон шоҳи (1797 й.дан). Унинг ҳукмронлиги даврида Эрон ички низолар туфайли заифлашиб, Европа давлатлари ва подшо Россиясининг мустамлакачилик юришлари нишонига айланган. Фатҳалишоҳ Франция (1807), Буюк Британия (1801, 1809, 1814), Россия (1813, 1828) билан тенгсиз битимлар имзолаган.

⁷⁷² Тоз – кипчоқлар таркибидаги уруғ номи.

пайкорлар амалга оширилиб, оқибат ярашишга ўхшаш бир нарса ўртага тушиб, амир Ҳайдар Бухорога қайтди. Бу воқеалар тафсилоти амир Ҳайдар даври зикрида ўз маҳаллида баён топажак.

Тарих 1212 йилда⁷⁷³ Нарботур лақабли Абдулҳамидхон фалаж касаллигига чалиниб, нотагонлик тўшагига ётиб қолди. Ул айёмдаги табиблар қанча даво ва илож қилсалар ҳам фойда бермади. Жаҳоннинг меҳнат ва машаққатли уйдан роҳат ва дам олиш маскани бўлмиш боқий оламига кўчиб кетди. Унинг вафоти муносабати билан зариф ва фозил кишилар марсия ва тарихлар ёзганлар. Улардан фақат битта байт билан қаноатландик: Таърих:

Чунин гуфт соли вафоташ хирад,
«Ниҳон» шуд 3-иклими «Фарғона шах»⁷⁷⁴.
[Хирад унинг вафоти йилини,
«Фарғона» иқлимидан «шаҳ пинҳон(ниҳон)» бўлди, деб айтди].

Ундан бешта яхши сийратли ўғил, бешта қиз⁷⁷⁵ ва иккита хотин қолди. Бири Минг Ойим номи билан машҳур бўлган Фахру-н-нисо бинт Имомқулибек Дўстқулибек ўғли *баҳодир мингдир*. Шу сабабли *минг* қабиласи Фарғона хонларига ўз насабларини яқин деб биладилар. Уларнинг баъзи намояндалари ҳақида юқорида бир шингил ҳикоя қилинди. Нарботурнинг биринчи ўғли Олимхон, иккинчиси Умархон, учинчиси Рустамхон, тўртинчи Фозилбек, бешинчи Ёдгорбек бўлган. Бир тўғри сўзга қараганда ёши эликда, салтанати даври 35 йилу тўққиз ой бўлган. Унинг ҳукмронлиги даврида мадраса ва масжидлар бино қилиниб, кўп анҳорлар қаздириб сувлар чиқарган. Унинг даврида Фарғона жуда обод ва равақ топган эди. Жамоли ҳоли камол топган, мақтовга арзигулик фазилатлар билан мавсуф, яхши феълу шамойил ва маъқул хислатлар билан маъруф эди. Фард:

Рамҳи давлатпарварашро мулку миллат дар панох,
Теги нусратгустарашро дину давлат дар зимон.
[Давлатпарвар найзаси остида мулку миллат омонликда,
Нусрат келтирувчи қиличи дину давлатга кафил].

ОЛИМХОН ИБН НАРБОТУР ЛАҚАБИ БИЛАН МАШҲУР АБДУЛҲАМИДХОН ЖУЛУСИННИНГ ЗИКРИ

Умаро ва уламо, аёни давлат ва аҳли ислом ашрофларининг ижмоси билан Фарғона хонлиги тахтини ўзининг бахтли вужуди билан Олимхон, Абдулҳамидхонни фирдавс маконнинг катта ўғли зеб ва оройиш бериб, адл ва инсоф бериш ишига ривож берди.

Ҳукмронлигидан бир йил ўтганда баъзи фасод андишали ва фитна солувчи кишилар, Исфара ҳокими Бойбўта *қалмоқ*, Пир Муҳаммад *ясовулбоши*⁷⁷⁶, Ражаб *додхоҳ*, Бобораҳим *тўқсоба*⁷⁷⁷, Қурбон Муҳаммад *тўқсоба* ҳукуматга қарши ўзаро тил бириктириб, махфий равишда фитна ва фасод ишларини бошладилар. Улар Олимхоннинг амакиси Ҳожибекни қўлга олиб, исён ва қўзғалон оловини кўтармоқчи бўлиб, халқуллоҳнинг тинчлик ва осойишталик хирмонига ўт кўймоқчи бўлдилар. Ўшал ёмонларнинг бир нафари ёмонлик келтирувчи сирлардан саройи олий надимларидан бирига билдириб, сирни ошкор қилди. Бу хабар ҳам аста-секи Олимхон қулоғига бориб етганда, зафар ошиёнли саройи олийдан бир гуруҳ ишончли кишиларни бу хабарларни текшириб кўриш учун маъмур қилди. Ул жамоаи бадкирдор сирлари фош бўлишини билиб, қочишни ихтиёр қилдилар. Исфара ҳокими Бойбўта *қалмоқ* олдида бориб, ул бедийнат иттифоқи билан энг ёмон хислат бўлган куфрони неъмат ва исёнга журъат қилдилар.

Ҳар ки шуд осии валинеъмат,
Гашт мардуд бар ҳамма миллат.
Ҳаст надмум дар ҳамма адён,
Ҳар ки бар неъмат оварад куфрон.
Назди арбоби донишу инсоф,
Бадтарин айб бегумону хилоф,
Он ки нашнохт ҳаққи неъматро,

⁷⁷³ Милодий 1797–1798 йил.

⁷⁷⁴ Таърих моддаси 1212/1797–1798 йилни беради.

⁷⁷⁵ Бир қизи Офтоб/Ойтоб ойим Маъсумхонтўрага, иккинчиси Чуст ҳокими Эшонхон тўрага (улардан Бузрукхонтўра ва Рустамтўралар оламга келган), учинчиси Зулфиқортўрага, тўртинчиси Хўжатўрага (улардан Пошшоҳўжа ва Хайруллоҳўжа ва икки қиз оламга келган), бешинчиси Умаралихўжага (уларнинг ўғли Накибхўжа) турмушга берилган эди.

⁷⁷⁶ Ясовулбоши – ясавуллар бошлиғи.

⁷⁷⁷ Тўқсоба – бир тўқ, туғнинг сардори. Бухорода юқори мартабали амалдор.

Шуд ҳадаф тирҳойи лаънатро.
[Валинеъматига оси бўлган киши,
Ҳамма миллатда мардуд дейилади.
Ҳамма динда надоматда қолган,
Куфрони неъмат келтирган киши.
Арбоби донишу инсоф олдида,
Энг катта айб бегумону хилоф.
Ҳаққи неъматни билмаган киши бўлиб,
Лаънат тошларига нишон бўлади].

Давлатга хиёнат қилган ўша ёвуз ғаламислардан бир қанчаси қўлга тушиб, тергов арбоблари хузурида ўз айбларига иқдор бўлгандан кейин ибрат учун ҳукумат хойинлари сифатида ўз амалларига яраша жазога муносиб бўлдилар. Олимхоннинг амакиси Ҳожибек фитначиларга шерик бўлишда айбланиб, ўғиллари Улуғбек, Шералибек, Бекўғлибек ва укалари Рустамбек, Фозилбек, Ёдгорбек, хонзодалардан Довудқулибек ва акалари Бўтабекни, узоқни кўра билган ҳолда, андиша қилиб, бир даста сипоҳ билан Талас мавзеига олиб бориб, ҳимоялари учун посбонлар тайинлаб қайтдилар. Тез орада Ҳожибек у ерда вафот қилди. Қолганлари узоқ муддат шу ерда қолдилар. Улуғбек, Бекўғлибек ва Рустамбек, акалари Ёдгорбек ва Довудқулибек, Довудқулибекнинг акаси Бекбўтабек шу Талас водийсида вафот қилган. Шералибек ибн Ҳожибек қирқ беш йил дегунча шу ерда яшади. Муҳаммадалихон ибн Умархон давлатининг инқирозидан сўнгра Фарғона хонлиги тахтига қарор топди. Уларнинг зикри ўз мавриди билан иншоаллоҳ ёзилажак.

Олимхон бу муҳим ишларидан фориҳ бўлиб, катта лашкар билан аҳли фасод ва исёнга жазо бериш учун Исфара тарафига юриш қилди. У ерга етиб бориб, қаҳр ва ғазаб билан ғалабага эришиб, қалъани эгаллаб ўз тасарруфига киритди. Бузуқчиларнинг бошлиғи бўлмиш Бойбўта қалмоқ баъзи куфрони неъмат келтирганлар билан қўлга тушиб жазога тортилди. Ражаб *додхоҳ*, Қурбон Муҳаммад ва баъзи бошқа хоинлар бу ҳалокатли жойдан жонларини сақлаб, турли номаълум йўл ва сўқмоқлар билан, қанча азоб ва хорлик билан Бухорога қочиб кетдилар. Асир тушганларни бошлиқлари билан шариати шариф ҳукми билан жазо бериб, ясога ётқаздилар. Шундай қилиб куфрони неъматга қўл урган, мулк ва миллат душмани бўлганлар жазога тортилиб, дўсту душман эътиборига тушдилар.

Маснавий:

Хору буни роҳ барафканда бех,
Рахнагари мулк сарафканда бех.
Гаждуму мор аст яқин захрнок,
Дафъи зарар ҳар ки кунад нест бок.
Он ки кунад раҳм ба амсоли он,
Ҳаст ситам бар ҳаққи аҳли жаҳон.
[Йўлдаги тиконларни кўпориб ташлаш яхши,
Мулкка раҳна солувчини боши олингани яхши.
Чаён билан илон аниқки заҳарли,
Зарарни дафъ қилмоқ доим яхши.
Шунга ўхшаш заҳарли нарсаларга раҳм этиш,
Аҳли жаҳонга ситамдир, буни билмоқ яхши].

Бу воқеалардан кейин Олимхон барча ҳиммати ва куч-ғайратини кўшинни тартибга келтириш учун сарфлади. Айниқса тоғликлардан бўлмиш Қоратегинлик, дарвозлик ва бадахшонликларданким, ёшлиқларидан кийик, тулки ва шунга ўхшаш жонворларнинг овига машғул бўлиб, пиёда юриш ва милтиқ отишда катта маҳоратга эга эдилар, ўн минг нафарини йиғиб, уларнинг улуғларидан *мири ҳазора* ва [мири] *сада* (юзбоши) тайинлади. Бу афвож (гуруҳ)нинг номини «ғалабаҳодур» деб атаб, барча лашкар ичида ажралиб туришлари учун либос ва байроқларини бошқа ранг ва кўринишда оро берди. Шу вақтдан то Умархон давригача Фарғона кўшини икки фирқа (тур)га бўлинди: тоғликлар (куҳистоний)лардан иборат сипоҳи жадид, ёки *тожикия* ва ғалабаҳодур кўшини. Иккинчиси эса қадимия лашкари, сипоҳи *ўзбекия* ёки куҳна (эски) сипоҳ. Ҳар иккала кўшинга ҳам янги тартиб ва низом жорий қилди. Нусрат келтирувчи кўшиннинг ойлик ва йиллик маошларини янги ва яхши қоидалар асосида белгиладик, булар олдинги аҳволдан анча яхши ва мунтазам эди. Бироқ баъзи калтафаҳмлар ва ул замоннинг мунофиқлари, мулк ва миллат тизимининг янгилиги ва тараққийсига қарши бўлган душманлар бундай янги қоида ва қонунлардан норози бўлиб, ўзаро шикоят қилардиларки, бундай бидъатлар олдинги замонларда йўқ эди. Ёки ўтмишда шунга ақллари етган салафлар бўлмаганмиди!? Шундай савол ва жавоблар жуда кўп бўлар эди.

Эрдонахон лақабли Абдулқажумхон давридан то Нарботур лақаби билан шуҳрат топган Абдулҳамидхон давригача, қарийиб эллик йил давомида Фарғона ўлкаси беасл ва бенасаб бўлган кўпгина шайх ва саййидлардан тўлиб кетди. Ҳар қандай жўги, лўли ёки бирор-бир маккор бошқа жойлардан келиб ҳодийлик ва саййидликка даъво қилардилар. Бечора нодон халқ буларнинг аблаҳона сўз ва найрангларига ишониб, уларга мурид ва мулозим бўлиб олгандилар. Ой ва йиллар ўтиб уларнинг вафотларидан кейин авлоду ахлофларига жуда кўп издошлар қолиб кетар эди. Улар шариатга қарши ва номаъқул бўлган сулук ва тариқатларга эркагу аёлларни найранг ва ширин сўзлари билан даъват қилиб, тузоқларига туширардилар. Баъзи рисола ва оғзаки хабарлардан маълум бўлдики, уларнинг мажлис ва хилватдаги ўтиришларида фахш ва инкор этилган ишлар ҳам жуда кўп содир бўлар экан. Дунёнинг молу мулкидан ҳам жуда кўп баҳраманд бўлиб, бу мулкнинг энг бой ғанимларига айланиб, марғуб иморатлар қуриб, катта захираларга эга бўлиб, хотин устига хотин олиб ва ашулачи ва хуш овозли канизакларни, карашма унвон хушруй баччаларни ўз хизматларига олган эдилар. Нафсоний лаззатлари-ю жисмоний неъматларга берилиб ўз вақтларини шундай комронликда ўтказардилар. Ёлғон сўзлари ва найрангларини замона аблаҳлари кўзи олдида қилу қол ва ҳол деб кўрсатиб, ўзларини орифларнинг ўринбосарлари ва вакиллари, пиру муршиди комил деб, аҳмоқ одамлар олдида жилва берардилар.

Булҳавас одамлар эса шариатга қарши бу тариқатдан шу беинсофларнинг тирикчиликлари яхши ўтиши, бойлик ва обрўй ҳамда ҳурмат топганларини кўриб, уларнинг силсиласига мурид бўлиб кириб, турли тухфа ва поралар билан, машаққатсиз, мужоҳидасиз, нафий ва исбот маърифатсиз иршод ва ижозатномаларни сотиб олиб риё ва фирибгарлик дўконини очиб, имон ва диёнат матоларини сотардилар. Танаярвар ва шахватпараствлар эса илм ўрганишни ўзларига мушкул деб билиб, шу ишларни касбу-корларига айлантириб, моҳир ҳунарманд бўлиб олгандилар. Айни замонда бундай буғдой кўрсатиб, арпа сотадиганлар ва хирқа кийиб олган золимлардан сулук ва хиёнат бозори тўлиб кетган. **Қитъа:**

Раҳамаллоҳ маъшар ал-мозий,
 Ба риёзот жон супурданди.
 Аз риё ижтиноб мекарданд,
 Зарра аз шубҳа нон нахўрданди.
 Он бузургон чу зинда мешуданд,
 Кош ин нокасон бимурданди.
 [Ўтган донолар, Аллоҳни раҳмати бўлсин уларга,
 Риёзат чекиб жон берганлар.
 Риёдан ҳам улар ҳазар қилардилар,
 Заррача шубҳали нон бўлса емасдилар.
 Кошки ул улуғлар тирилсалару,
 Бу нокаслар ўлсалар эди].

Ҳар ҳафта бир кун Олимхон ростсўзли уламо ва яхшилик истайдиган бошлиқлар билан сўхбат қилар эди. Бир куни илм мажлиси давомида шариат пешволаридан бири бидъатчи солиқлар ҳақида сўз бошлади ва бу залил табақанинг Фарғона билодида кўпайиб кетаётганидан афсусланди. Шу олий маҳфилда ҳозир бўлган улуғлар ҳам шу мавзуда баҳс ва музокаралар олиб бориб, шариат далил ва бурҳонлари билан бундай шаккокликка асосланган бидъат сулукларни исботлаб, сиртидан ободу ичкаридан хароб бу жамоани қораладилар. Ҳанафия олимларининг фатво ва ҳукмлари, шариати набавий қоидалари ва бажарилиши вожиб бўлган хон фармойиши билан ҳар бир шаҳар ва қишлоқда дин уламолари ҳисобидан муҳтасиблар тайинлаб, шу адашган гуруҳни текшириш ва санаши учун юборилди. Муҳтасиблар мақсад манзилларига етиб бориб, баъзи кишиларни панд ва насиҳат билан, бир қисм суфийларни мажбурий равишда илми ҳолу қол талаб этишларига, камолга етган бир муршид топиб олиб мурид бўлишларига ундадилар. Аллоҳ инояти билан ҳидоятга мушарраф бўлганларни эса шариат ва тариқатнинг сироти мустақимига қайтардилар. Саодати азалий бахтига насиб бўлмаганлар эса залолату ғойиблик чўлида бир қуюндек саргардон ва овора бўлиб юрдилар. Кўнгли қоронғу бўлганларнинг энг катта шайхларидан бири Бузрукхўжа дегани бўлиб, бузғунчи мазҳабдагилар билан бирга Чуст⁷⁷⁸ ўлкасида исён ва ҳамоқат байроғини кўтарган эди. Унинг хабосатдан қилинган туғи остида ҳар тарафдан кўп йўлтўсар ва қароқчилар келиб жам бўлган эдилар. Шу кучи билан у камсонли сипоҳи бўлган Чуст вилоятининг қалъасига ҳужум уюштирди. Қалъадаги кўшин қаршилик кўрсата оламади. Кўп ҳимоячилар ўлдирилди. Бир кам қисми қочиб кетишди.

⁷⁷⁸ Чуст – қадимий шаҳар. Ҳозир Наманган вилояти таркибидаги Чуст тумани маркази.

Қалъани босиб олгач у ердан шаҳарга кириб, дини мубийн олимларидан бўлган шаҳарнинг қозиси ва муҳтасиб⁷⁷⁹ ини шаҳодат даражасига етказдилар. Мадрасалар, толиб ул-илм ва муаллимлар уйларини талон-тарож ва хароб қилиб, аҳли илмдан қўлга тушганларни қатл қила бошладилар. Шаҳардаги барча дукон, молу бойликни талон-тарож қилдилар. Қуролсиз шаҳар аҳолиси ҳар тарафга қочиб тарқалиб кетди.

Бу даҳшатли хабар Намангон ва Тўрақўрғон ҳокими қулоғига етиб борди. У ихтиёрида бўлган сипоҳнинг бир қисмини қолдириб, иккинчи қисмига бошлиқ бўлиб Чуст билодига шошди. Давлат ва миллатга қарши бош кўтарганларга қарши бориш ишини осон деб билиб, масофа узунлигини ҳам писанд қилмай ёзнинг иссиқ палласида бир кеча кундуз дегани билан Чустнинг бир саҳросига етиб келдилар. Шу чўлда икки лашкар юзма-юз учрашиб, саратоннинг кунида жангга киришдилар. Қуёшнинг жазирама иссиғида отлар ҳам жавлондан қолиб кетиб, Намангон ва Тўрақўрғон лашкари мағлуб бўлди. Кўпчилик мақтул ва мажруҳ бўлдилар, асирга тушдилар. Сипоҳнинг қолгани урушдан бош тортиб, тарқалган бир ҳолда ўз маконларига қайтди. Дин душманларининг лашкари ғалабадан яна ҳам шердил ва шижоатлик бўлдилар.

Шу пайт сийрат фирқанинг иши кундан кунга тараққий топиб, ҳар бир шаҳрнинг қайси бурчагида яширинган шу ёмон тиннатли киши бўлса ўз жойидан чиқиб нопок Бузрукхўжага қўшиларди. Намангон ва Тўрақўрғон лашкарининг мағлубияти ва исёнчиларнинг қўли баланд келиши хабари Олимхонга етиб боргач, тезлик билан Ражаб *девонбеги* Бадахшийни икки минг сипоҳи жаид, яъни *ғалабаҳодирлар* ва тўрт минг нафар эски сипоҳ билан юбориб, Сирдарёсидан ўтиб Қамишқўрғон мавзеида душманнинг орқасида жойлашиб, янги фармонни кутиб туришни буюрди. Ўзи ҳам янги ва эски қўшин билан ҳаракатга келиб, Санг кечувидан Сирдарёдан ўтиб, Машҳад⁷⁸⁰ мавзеини ўз лашкари қароргоҳи учун танлади. Мулла *парвоначи*, Хонхўжанинг ўғиллари Юсуфалихўжа ва Юнусалихўжаларга тегишли эски сипоҳдан саккиз минг кишини лашкарнинг ўнг қанотига, Қамишқўрғон мавзеида турган Ражаб *девонбеги* қўшинини чап қанотига муқаррар қилиб, Олимхон ўзи лашкарнинг қалбида, янги сипоҳ аскарлари билан жой олди. Мана шу уч томондан лашкар ҳаракатга келганда унга қарши Бузрукхўжа қўшини билан қарши чиқди. Ахсикент⁷⁸¹ чўлида лашкар бир-бири билан тўқнашди. Бузрукхўжа лашкари бирлашиб, Олимхон ўз вужуди билан зеб бериб турган лашкарнинг қалбига ҳужум қилди. Олимхон душманни ҳаракатини сезиб туриб, сипоҳи жаиддан тўрт минг пиёда тўфангчини танлаб, икки қатор қилиб лашкар қалбининг олдига қўйиб, душман яқинлаши билан навбат билан уларни ўққа тутишни буюрди. Шу аснода душман қўшини яқинлашиб, сипоҳ қалбига ҳужум бошлади. Қалбнинг муқаддимасида бўлган тўфангчилар уларга ўқларни ёмғирдек ота бошладилар. Душманнинг муқаддимасидан кўпчилик тўфанг ўқидан ҳалок бўлдилар, бир қисми мажруҳ бўлиб, қолганлари тўхтаб қолдилар. Шу аснода зафар ёр бўлган лашкарнинг ўнг ва чап қаноти икки тарафдан Бузрукхўжа лашкарига селдек ҳужум қилдилар. Олимхон ҳам қалбда туриб тўфангчилари ўқи билан душманнинг муқаддимасини уриб, жойидан кўтарди. Иккала лашкар аралашиб кетиб, эрта тонгдан кечгача ёзнинг энг иссиқ палласида муҳораба ва муқоталага қўл урдилар. Охир оқибат зафар уфори ислом ҳомийлари байроғига қараб эсди. Фиск ва фужур, шайтон фирқаси уруш майдонидан юз угуриб, кўпчилик милтиқ ўқидан ва қиличнинг сувли дамидан ерга тубан йиқилиб, мажруҳ ва синган бир ҳолда тўрт тарафга тарқалиб кетдилар. Фатҳ асарли лашкарнинг отлиқлари қочқинларни қувиб, ул ёмонхулкли тоифадан кўпчиликни асир олишди. Бузрукхўжа баъзи тарафдорлари билан ул хатарли жойдан кенг тоғли жойларга қочиб кетиши билан ҳазрати Идрис ва Али қадамжой зиёратгоҳларигача ҳеч бир жойда тўхтамасдан борди.

Олимхон Чустга келиб ўшал уруш маъракасида давлат ва миллатга нисбатан жонбозлик ва садоқат кўрсатган умаро ва сипоҳий билан учрашиб, лойиқ мансаб ва амаллар билан уларни барчани олдида обруманд ва аржуманд қилди, инъом ва эҳсонлар билан сарафроз ва баҳраманд этди. Шаҳарнинг муҳтасиб ва қозисини ҳузурига даъват қилиб, шоҳона лутф ва юпатиши билан уларни шод қилиб, йиллик маош муайян ва муқаррар қилди.

⁷⁷⁹ Муҳтасиб – ўрта аср мусулмон давлатларида ислом маросимлари, урф-одатлари ва шариат қонунларининг бажарилиши, одамларнинг жамоат жойларида юриш-туриши устидан назорат қилувчи амалдор. Шариат тизимида хос мансабдор шахслар тоифасига кирган. Ўрта Осиёда улар раис деб аталган. Муҳтасиблар бозорлардаги нарх-наво ва ўлчов асбобларининг тўғрилиги устидан назорат қилиш, урф-одатларнинг бажарилишини кузатиш, диний вазифаларини бажармаган кишиларни жазолашга ҳукм чиқариш кабилар билан шуғулланган. Бухоро амирлигида муҳтасиб шайх ул-ислом ва муфтийдан кейин учинчи мансаб ҳисобланган.

⁷⁸⁰ Машҳад /Машад – Поп туманида жойлашган мавзе.

⁷⁸¹ Ахсикент – Наманган вилояти, Наманган туманида жойлашган Шаханд қишлоғидаги харобалар шу Ахси(кент)га тегишли. Фарғона водийсининг қадимги пойтахти.

Исёнчи ва қўзғалган жамоадан зарар ва мусибат кўрган аҳоли ҳам подшоҳона марҳамат ва лутфидан баҳраманд бўлиб, шу билод янгитдан равнақ ва беҳад янгилик топди. Шаҳардан ташқари бир жойда янги қалъа бино қилиб, сипоҳдан бир гуруҳ ва галабаҳодур *тожик* тўфангчиларидан беш юз нафарни шу ҳудуднинг мудофааси учун қолдириб, хон салтанат пойтахти бўлмиш Хўқанд шаҳрига қайтиш байроғини кўтарди. Йўлларни босиб ўтгач, давлатхонасига ташриф буюриб доду арз ва инсоф билан машғул бўлди.

Ўша айёмда Бузрукхўжа ҳазрати Идрис қадамжойига етиб келиб, бошига тушган шунча омадсизлик ва бахтсизликдан сабоқ олмай, улар ҳам кифоят қилмаганидек болаларини мадад ва ёрдам сўраб Тошканд *волийси* Юнусхўжа хузурига юборди. Унинг болалари Тошкандга етиб келганларида, Юнусхўжа уларнинг қадамларини яхшилик фоли ва давлатга етиш аломатига ёйиб, иззат ва икромлари учун саъй ва ҳаракат қилди. Уларга ёрдам бериш ваъдасини бериб, меҳмондорчиликка бел боғлади. Уруш асбобларини тайёрлаш ва лашкар йиғиш ишлари билан машғул бўлди.

Бу воқеалардан Фарғона хони хабар топиб лашкаридан бир нечта фавжини Хўжандга юбориб, Хўжанд *волийси* Хонхўжага ўз қўшинини ҳам олиб Тошкент сари бориб Қурама, Пискент, Кировчи қалъасини барча ноҳия ва қасаботи билан босиб олишини, Тошканд ҳокими Юнусхўжани бахтли байроқли лашкар етиб келгунга қадар машғул қилиб туришини буюрди. Хонхўжа ҳам амри олийга мувофиқ хони мазкур юборган қўшинга ҳам бошлиқ бўлиб Тошканд сари азимат қилди. Қурама ва Пискент ноҳиясига етиб келиб бу жойларни осонгина қўлга киритди. Бу ернинг аҳолиси ҳам лашкар қадамида итоат белигисини кўриб, қаршилик қилмадилар. Юнусхўжа тайинлаган амалдорлар ва гумашталари Тошкандга қочиб кетишди. Кировчи қалъаси ҳам озгина жанг натижасида дору-с-салтанат мадорли сарой мулозимлари қўлига ўтди.

Бу воқеалардан Тошканд *волийси* Юнусхўжа дарғазаб бўлиб, катта қўшун билан Фарғона *амири лашкари* Хонхўжага қарши жангу саваш учун йўлга тушди. Юнусхўжа ҳаракатидан лашкар амирлари хабар топиб, Кировчи қалъасида мажлис уюштириб машваратга ўтирдилар. Ҳар хил фикр ва мулоҳазалар илгари сурилди. Хўқанд дору-с-салтанатидан Хонхўжага ёрдам бериш учун маъмур ва *нойиб* даражасида бўлиб келган Абдулқодир *парвоначи* сахрога чиқиб жанг қилишни муносиб, деган таклифни ўртага ташлади. Хонхўжа эса қалъага кириб, мудофаа билан машғул бўлишни афзал, деб билди. Ҳар бири ўз фикрларини исботи ва тўғрилиги учун далил ва исботлар келтирадилар. Қилу қол узоққа чўзилди. Сипоҳ саркардаларидан кўпчилик Абдулқодир *парвоначи* фикрини маъқулладилар. Охир ул-амр Хонхўжа айтди: «Олий фармондан шундай хулоса келиб чиқар эдики, биз қалъа ичида туриб салтанат пойтахтидан сипоҳ етиб келгунга қадар Юнусхўжани жанг ва муҳораба билан банд қилиб туришимиз даркор. Шу сабабдан мен бу бобда янги фармойиш содир бўлмагунча сахродаги очик жангга қарши эдим. Бундай хатарли ишда мени журъатим етмайди. Аммо шу билан лашкар орасида номим журъатсизлик ва кўрқоқликка чиқишидан ҳам кўрқаман. Маъмурлигим қонунларига хилоф бўлса ҳам номус ва ғайратим сизларнинг сўзларингга кириб амал қилишимни тақозо қилади. Бироқ сизлар бу қарорнинг хато ва савоби, савол ва жавобини ўз зиммаларингга олишларинг шарт, зеро валинеъматимиз ва миллат хузурида айбдор бўлиб гунаҳкор бўлмайлик». Лашкар сардорлари ва амирлари бу шартларни қабул қилиб, аҳд ва сўз бергандан сўнг, лашкария гуруҳ-гуруҳ қалъадан чиқиб Юнусхўжа жанги истиқболига шошдилар. Оҳангарон дарёсининг бир қулай жойида икки лашкар учрашиб, бир бири билан аралашиб аямсиз урушга киришдилар. Фарғона лашкарининг маймана (бурунғор) ва майсара (жувонғор) қанотлари Юнусхўжа лашкарини олдидан кўтара олиб, қувишига бошладилар. Талон-тарож ва асирга олиш учун қўл чўздилар. Бу ҳолни кўриб Хонхўжа чопарлар юбориб уларни босқинчилик асирга олишдан манъ қилишга уринди, танбеҳ берди, бўлмади. Ҳар иккала лашкарнинг қалби жанг билан машғул эдилар. Шу вақтда *санчиқли* ва *қангли* жамоасидан тузилган катта гуруҳ Юнусхўжа мадади учун етиб келиб, ғорат билан машғул бўлган сипоҳга ҳамла қилдилар. Уларни тарқатиб юбориб лашкар қалбига ёрдам бериш учун шошилдилар. Фарғона лашкаридан кўпчилик ҳалок бўлди. Абдулқодир *парвоначи* ва аксар Фарғона сардолари ҳам ўлдирилди. Хонхўжа эса оғир яраланиб, отдан йиқилди. Фарғона лашкаридан жуда оз қисми бу бало ўпқинидан жонларини омон сақлаб, қочиб қутулишга улгурдилар. Фарғона лашкарига қазо ва қадардан оғир мағлубият насиб этди, зафар эмас. Қонга бўяб хушсиз ётган Хонхўжани бир уловга олиб асир тушганлар билан бирга Юнусхўжа хузурига олиб келдилар. Фарғона лашкаридан қолган барча мол ва асбобу ускуна *санчиқли* жамоасига бахшида бўлди. Юнусхўжа кибру ғурур билан Тошкандга қайтди. Ўз манзилига етиб келгач Фарғона асирларини ҳамда етган захмлардан бироз бўлса ҳам жони бўлган Хонхўжани шахидлик даражасига етказди. Шу билан у Хонхўжадан олган неъмат ва тарбият ҳақиқага хиёнат қилди. Ваҳоланки ёшлигида ва

ҳукуматни қўлга олишдан олдин у саййидлар паноҳи Хонхўжа қўлида парвариш топган эди. Валинеъматини ўлдириб куфрони неъмат ва носипослиги билан донг таратди. Шамолдек тез эсиб ўтадиган беш кунлик ҳукумати ва мағрур умри давомида бўйнига дунё уволи ва охират ниҳолини осиб олди. Андак фурсат ўтмасдан ўзининг ёмон қилмишига яраша мукофотга сазовор бўлди. Қитъа:

Ки кард дар ҳама олам камони зулм ба зех,
Ки тири лаънати жовидро нишона нашуд,
Ки дар замонае бе эътибор кард тарҳи ситам,
Хиёл баст ки худ ибрати замона нашуд.
[Зулм ёйини осиб юрган киши,
Ўзи абадий лаънатга нишон бўлмадими?
Ситам тарҳини жаҳондан кўтарган киши,
Замона ибратига айланмадими?].

Мазлум ва шаҳид бўлган саййидлар паноҳининг умри етмишга етган, Намангон ва Тўрақўрғонда ҳукумати муддати саккиз йил, Хўжандда эса уч йил эди. Бир фозил киши унинг шаҳид бўлиш таъриhini бундай берган:

Соли шаҳодаташро пири хирад чунин гуфт:
Пой аз жаҳон кашида «хони шаҳиди марҳум».
[Шаҳид бўлган йилини хирад пири:
Жаҳондан оёқ тортиб «марҳум хони шаҳид», деди].

Хонхўжадан бир хиштин мадраса Хўқандда ёдгор қолган. У ҳозир ҳам бор. Унда илм толиблари илм олиш билан машғул. Хотини унинг ҳаётлигида вафот этган эди. Учта ҳумоюн юзли ўғил қолди. Подшоҳхўжа номи билан машҳур Юсуфалихўжа, Умаралихўжа ва Юнусалихўжа. Оналари Эрдонахон лақабли Абдулқаюмхоннинг синглиси бўлади.

Тошканд *волийси* Юнусхўжа Фарғона лашкари устидан ғалаба қозониб, ундан маст ва мағрур бўлган ҳолда катта лашкарни Бузрукхўжа ўғилларига бериб, Кандир тоғи йўли орқали Фарғона тарафига юборди. Ўзи ҳам шу томонга юриш қилиш учун тайёргарликни бошлади. Бузрукхўжа ҳам тез келиб ўғиллари ва мададга берилган лашкарга қўшилиб, Чуст тарафига азм этди. Чуст қалъасини камалга олди. Бу хабар хонлик пойтахтига етиб боргач кўп сонли лашкар Ражаб *девоубеги*, шаҳид бўлган Хонхўжанинг ўғиллари Юсуфалихўжа ва Юнусалихўжа бошқарувида юборилди. Бу учта амир Чуст вилоятига етиб келиб, Бузрукхўжа билан жанг қилиб, Аллоҳ инояти билан унинг устидан ғолиб чиқиб, Бузрукхўжани ўғиллари ва хос яқинлари билан асирга олдилар. Тошканд *волийси* Юнусхўжа лашкаридан кўп киши ўлдирилди, озгинаси бу бало гирдобидан қутулиб нажот соҳилига етдилар. Муфсид Бузрукхўжа ўз тобелари билан бирга аскария *қозийларининг* ҳукми билан Чуст муҳтасиб ва *қозисининг* қасди ҳамда унинг зулми тиғидан шаҳид бўлганлар қасоси учун жазога муносиб бўлди. Маснавий:

Бар андоз бехе ки хор оварад,
Бипарвар дарахте, ки бор оварад.
Жаҳонсўзро кушта бехтар чароғ,
Яке бех дар оташ, ки халқе ба доғ.
[Тиконли бутани кўпориб ташлаш яхши,
Мевали дарахтни парвариш қилишинг яхши.
Кўп халқни оловда ёндириш ўрнига,
Ўша золимнинг гар чироғи ўчса яхши].

Ана шундай вақт ва аҳвол давомида Фарғона хонининг кўнгли ва фикри бу замони бўқаламун ходисоти билан банд ва машғул бўлди. Бекмуродбий ибн Худоёрбек амакиси бўлмиш Ўратепа *волийси* Бобобекни ўлдириб, шу музофот ҳукуматини қўлига олди. Кейин қилган ёмон иши ва номаъқул ҳаракатидан андишага тушиб Фарғона хони итоатидан бўйин товлаб амир Ҳайдар Бухорийга итоат ва тобейлигини изҳор қила бошлади. Ва шу мазмунда бир қосидини Бухорога юбориб, шу ҳийла билан қилган ёмон амали жазосидан қутулмоқчи эди. Фард:

Чу бад карди мабош эмин з-офот,
Ки вожиб шуд табоеъро мукофот⁷⁸².
[Ёмон иш қилиб жазодан қутулмассан,
Итоат қилганга мукофот бериш вожибдир].

Чопар Бухорога етиб бориши билан бу хушxabардан хурсанд бўлган амир фаровон лашкар билан Ўратепа томон азимат қилиб, Бекмуродбий қосидини ардоқлаб, ўз тарафидан бир ишонарли

⁷⁸² “Бобурнома”. Б. 26. Бу ерда “табоеъ” ўрнида “табиат” келган.

элчини қимматбаҳо тухфалар билан қўшиб Бекмуродбий ҳузурига юборди. Ўзи ҳам манзил ва йўлларни босиб Зомин қалъасига тушди. Бекмуродбий ҳам шу ерда Бухоро амири истиқболига етиб келиб, зоҳиран кўрсатган илтифотдан хурсанд бўлди. Хуфийада эса (амир) Ўратепанинг собиқ *волийси* Бобобекким Бекмурод кўли билан қатл қилинган эди, унинг ўғлига отасининг қасдини олиш учун амакизодаси Бекмуродбийни ўлдиришни буюрган эди. Бобобекнинг ўғли ҳам отасига ичтирган шарбатдан Бекмуродбийга ҳам ичтирди.

Бухоро амири бу ердан кўчиш нағорасини чалиб, Ўратепа диёрига етиб келиб истиқомат хаймасини урди. Шу ноҳияларни тассаруфига киритиб, Эрназарбий *мангитни* бу ҳудудга ҳоким этиб тайинлади. Муҳаммад Қобилбий *иноқ*⁷⁸³ ва яна бир Бекмурод *парвоначини* бир черик ва катта илғор билан шу ўлканинг қўриқламоқ учун қолдириб, амирлик пойтахтига қайтди.

Мана шу воқеалар Фарғона хони қулоғига етиб борди. Бироқ, унда бу ҳудудни қайтариб олиш ва душманни ҳайдаш имкони ва хоҳиши бўлмаганидан бу ишларни кейинга қолдирди. Айни шу вақтларда Юнусхўжани Фарғонага қасд қилиб келаётгани хабари тарқалиб кетди. Фарғона хони мудофаа ишлари билан машғул бўлди. Юнусхўжа Фарғона лашкарининг бир гуруҳи устидан ғалаба қозониб, саййидлар паноҳи Хонхўжани шахидлик иззатига етказганидан бери мағрур бўлиб, димоғига хом ҳаёллар йўл топиб, жанг асбобларини йиғишга, лашкар тўплашга машғул эди. Шу билан у йигирма минг сипоҳ жамлаб Фарғона тарафига юриш бошлади ва Хуррамсаройга етганида, унга қарши Фарғона лашкари ҳам етиб келди. Тошканд *волийси* Юнусхўжа қўшинининг асосий кучларини муқаддимага жойлаштириб, катта ўғли Султонхўжани унга амир тайинланган эди. Қўшиннинг иккинчи фавжи *санчиқли*, *қангли*, *қиёт* ва *турк* тоифаларининг улуғлари ва катталарига берилди. Хазина ва барча бойлик бир баланд тепаликка олиб чиқиб жойлаштирилди, шу ерда катта бир байроқ ҳам қадаб, ўрнатилди. Юнусхўжа шу баландликдан туриб Тошканд сипоҳини фавж-фавж ҳар тарафга юбориб, ўзи минг нафар суворий билан лашкария аҳволини кўриш ва назорат қилиш учун турарди. Ўшал тепалик иккала лашкар ҳаракати ва машқларини яхши мушоҳада қиладиган бир мавзе эди.

Фарғона хони ҳам лашкари сафларини ростлаб Ражаб *девоңбеги*, Малла *парвоначи*, саййидлар *садри* Юсуфалихўжа, Чуст ҳокими Юнусалихўжани ўз дасталари билан пистирмага қўйди. Қўшиннинг қалб қисмини укаси Умархон ва бошқа амирлар ихтиёрига берди. Сипоҳи жадиждан саккиз минг пиёдали тўфанглари билан, суворий мерган тўфангчилардан ҳам икки мингини ажратиб, ўнта тўп билан муқаддимага қўйиб, бошқарувини ўз зиммасига олди. Яна сипоҳи жадиждан икки минг тўфангчи ва беш юз нафар тўфанг билан қуролланган отликни сайлаб Қадам *парвоначи* ва Раҳматуллоҳ *додхоҳ*га бериб, уруш энг қизиган палласида бошқа ҳеч бир нарсага қарамасдан Юнусхўжа турган ўша тепаликка ҳужум қилишларини ва хазинасини катта байроғи билан қўлга олишларини буюрди. Кучлар сафлангандан сўнг Тошканд лашкарининг муқаддимаси Фарғона қўшинининг муқаддимаси билан тўқнашиб, муҳораба ва муқоталани бошлади. Ҳар нуқта ва макондан лашкарнинг қолган қисмлари ҳам чиқиб, бир-бирларига ташландилар.

Тошканд сипоҳи милтиқ ўқлари ва тўплар зарбидан ҳалок ва ярадор бўла бошладилар. Марказ қисмини Фарғона лашкари муқаддимасига қолдириб, орқага чекиндилар. Шу маҳалда Қадам *парвоначи* ва Раҳматуллоҳ *додхоҳ* ўша тепаликка ҳужум қилиб, тақдир тадбирга мос тушганидан биров муҳорабадан сўнг, милтиқ ўқларига тоқат қилмай Юнусхўжа ва у билан бўлганлар тепаликдан тушиб, ўринларини фарғоналикларга бўшатиб бердилар. Тепаликдаги барча хазина ва бойликлар, катта байроқ фарғоналиклар қўлига тушди. Тепаликда фарғоналикларнинг байроғи кўтарилди. Тошканд *волийси* Юнусхўжани қочганини эшитиб, қўшини қўлидан ихтиёр тизгини тушиб кетди ва қочишга юз ўгирдилар. Юнусхўжа уларни йўлларини тўсиб, шунча қайтармоқчи бўлди унга муяссар бўлмади. *Тўфангчи* отлик ва пиёдалар ҳам етиб келиб, милтиқу тўп ўқларидан қолган гуруҳни ҳам тарқатиб юбордилар. Юнусхўжа бошқа чора топмай оти жиловини Тошканд сари бурди. Фарғоналик отликлар уни қувиб бориб, қочқоқлардан кўпларини асир олдилар, кўплари ўлдирилди. Кўп бойлик фарғоналикларнинг қулига ўлжа тушди. Фарғона хони ҳам мансур ва музаффар ўша тепаликда

⁷⁸³ Иноқ – Марказий Осиёда XI–XIV асрларда ҳукм сурган сулолалар салтанатида «маслаҳатчи», “вазир”ни англатган; Бухоро ва Қўқон хонликларида ҳукмдорнинг ишончли кишиси, мансабдор. XVII–XVIII ларда Бухорода улуғ иноқ (иноқи калон) ва кичик иноқ (иноқи хурд) бўлган. Улуғ иноқ даражасига кўра, кўкалтош ва улуғ қўшбеги (қўшбеги-и калон) дан сўнг турган. Улуғ иноқ асосан, ҳукмдор фармонларини кичик мансабдаги амалдорларга етказиш ва амир қабулига муяссар бўлганларни киритиш билан шуғулланган. Кичик иноқ ҳам хоннинг ишончли кишиси бўлиб, баъзан саройдан отга минган ҳолда чиқиш ҳуқуқига эга бўлган. Ўз лавозимига кўра, улуғ меҳтар (меҳтари калон), девони саркор ва дастурхончидан юқори турган. Кичик иноққа ҳукмдорнинг муҳрлари солинган қутичани эҳтиёт қилиш топширилган. Кичик иноқ, шунингдек, амир номига тушган ариза ва шикоятларни қабул қилган; элчиларни қабул қилиш пайтида улар келтирган хатларни очиб, амирнинг шахсий котиби (мунший)га тақдим этган.

чодирини куриб, кўлга тушган хазина ва бойликни сипоҳи жадида ва эски лашкар аҳлига амал ва мансабларига қараб, бўлиб берди. Урушда жонбозлик кўрсатганларни ҳам мансаблар билан сийлаб, мумтоз ва фахрланадиган қилди. Хон ғалаба ва обру билан салтанат пойтахтига қайтиб келиб, фарғоналикларга асир тушган мўътабар ва каттакон амирларини Ўзганд қалъасига юборди. Қолганларига оту қуролларини қайтариб бериб, озод этишни буюрди.

Тошканд *волийси* Юнусхўжа минг азоб ва машаққатлар билан чекинган сипоҳини олиб, Тошкандга келди. Зудлик билан Бухоро амирига ярашиш ва иттифоқ эшигини очиб, бир сўзамол элчини қиматбаҳо тухфалар билан юборди. Амирдан тўп ва тўфанг ясовчи усталарни юборишни сўраб илтимос қилди. Бухоро амири элчини иззат ва икромлар билан қабул қилиб, меҳмондорчилик расму русумидан сўнг тўп кўйиш ва милтиқсозлик фанидан хабардор *афгон* ва эронликлардан бир неча устани Тошкандга юборди. Юнусхўжа фарғоналиклардан қаттиқ шикаст егандан сўнг интиқом олиш ниятида барча куч ва ғайратини ёв-яроғ ва аслаҳа тайёрлаш ва лашкар тартиб беришга киришган эди.

Юқорида зикр қилганимиздек Фарғона хони ҳақиқий ҳазрати муродбахш атосидан Юнусхўжа устидан зафар қозониб, Ўратепа мулкини қайтариб олиш учун ҳаракатга тушди. Аскарлари жаҳид ва эски сипоҳ билан Ўратепа томонига юриш қилиб, ул вилоятга етиб қамалини бошлади. Тез фурсатда қаҳр ва ғазаб билан Ўратепа қалъаси фатҳ бўлди, унинг *волийси* Бухоро амирининг қариндоши бўлмиш Эрназарбий *мангит*, Пирназар *додхоҳ*, Қобил *иноқ*, Бекмурод *парвоначи* ва шуларга ўхшаш Бухоро амирлари уч минг сипоҳ билан асирга тушдилар. Олтита кичик тўп, етти юзта милтиқ ва шунга ўхшаш уруш асбоб-ускуналаридан, бойлик ва ғалладан анча нусратли лашкар кўлига тушди.

Ўратепа музофотининг ҳукумати Қадам *парвоначига* ҳадя этилди ва унинг қомати иноқлик либоси билан зеб-зийнат топди. Раҳматуллоҳ *додхоҳни парвоначи* даражасига кўтардилар. Аскарлари жаҳиддан тўрт минг нафар, эски кўшиндан икки минг отлик шу ҳудуднинг ҳимояси учун қолдирилди. Ўратепа вилоятини босиб олишда мардоналик ва шижоат додини берган амирлар ҳам кадр ва мансабларига қараб, янги мартаба ва даражалар билан тақдирлади. Асир тушган Бухоро амирлари ўш қалъасига юборилди. Бухоро сипоҳига эса оту қуролларини қайтариб бериб, ватанларига кетиш учун рухсати олий берилди.

Бу ишларни бажаргандан кейин Фарғона хони салтанат пойтахтига қайтиб, соғ-саломат ўз давлатхонасида ором топди. Мамлакатнинг ободонлиги ва адлу эҳсонга бел боғлаб, Қўқон шаҳрининг ўртасида ғиштдан икки қаватли мадрасани бино этиш учун фармон берди. Қисқа муддатда ҳукуматнинг наққошлари ва меъморлари шу шариф иморатни куриб битказдилар. Унга кўп вақфлар тайинланди. Бугун ҳам бу табаррук манзил диний илм толиблари билан тўла бўлиб, фориғбол яшамоқдалар. Ул шижоат ва саҳоватпеша амри билан олтита катта наҳр қаздирилган. Ҳар бир вилоятдан кўп аҳоли бу маконларга кўчиб келиб, яшашлари учун давлат хазинасидан маблағ ажартилиб берилди. Ҳозир бу жой Олти ариқ кишлоғи номи билан аталади ва у Фарғонанинг энг катта қасабаси саналади. Ул одил ва амният нишонли хон даврида деҳқончилик ва экин экиш ишлари анча ривож топди. Маъюб ва маслуқ, етим ва есир, қариялар, ҳалол ризқ ва тирикчиликка кучлари етмайдиганларга хазинадан кийим-кечак, егулик ва ичкулик ажратилди. Ҳар бир вилоятда улар учун ошхоналар бино қилинди. Соғ-саломат ва кучи бор одамларга талончилик ва тамагарчиликни манъ этиб, ишлашларини буюрди. Бундай тартиб ва ташвиқотлардан мулк ва миллат ишлари тарақий ва ривож топган эди.

Шундай бир ҳолатда Тошканд *волийси* Юнусхўжа катта лашкар йиғиб интиқом олиш ниятида Фарғонага юриш қилмоқчи эди. Бироқ ҳукуматининг катталари уни заҳарлаб, йўқлик сафарига равона қилдилар. Тошканд зарифларидан бири унинг вафоти йилига шундай тарих ёзган:

Наввоби хирад зи баҳри фавташ,
Таърих навишт: «зулм мурда»⁷⁸⁴.
[Хирад *нойиби* вафотига,
«Зулм ўлди», деб тарих ёзди].

Ҳукумати ўн бир йил ва ёши эллиқда бўлган эди. Ундан икки ўғил: Султонхўжа ва Ҳомидхўжа қолган. Султонхўжаси отаси ўрнига ҳукумат бахтига етди. Фарғона юришини бошқа пайтга қолдирди.

Шу вақтларга яқин Элтузархон Хоразмий⁷⁸⁵ Бухорони босиб олиш учун катта лашкар тортди. Бухоро амири Ҳайдар бундан хабардор бўлиб, унга қарши кучли кўшин юборди. Бугун Амударё

⁷⁸⁴ Абжад ҳисоби 1220/1805–1806 йилни беради.

⁷⁸⁵ Элтузархон Хоразмий – Элтузархон 1804 йили ўзини хон беб эълон қилган кўнғирот сулоласининг вакили. 1806 йили ҳалок бўлган.

номи билан машҳур бўлган Сайхун соҳилида иккала лашкар рўпара келиб, анча жанг ва савашдан кейин хоразмликлар қаттиқ шикаст топиб, Элтузархон чекинаётганда кемага ўтириб дарёдан кечиб, бало ўпқини ва тўфонидан қутулмоқчи эди. Илоҳий тақдир экан қарши шамол эсиб ул ҳашамат нишонли хон раҳмат денгизига ғарқ бўлди. Биродари Қутлуқ Муродбий ва баъзи улуғлари асирга тушдилар. Фарғона фозилларидан бир киши унинг вафотига шундай таърих битган:

Хирад соли шаҳодат чунин рақам фармуд:

«Дили бақо, сари фатҳ рафт аз тахт»⁷⁸⁶.

[Хирад шаҳид бўлган йилни шундай берди:

«Бақонинг дили, фатҳнинг боши тахт (сўзидан) айрилди».]

1220 йили⁷⁸⁷ ўтиши билан Бухоро лашкарининг амирлари у ердан Хоразмга ўтиб бу вилоят босиб олиш ишига якун ясамоқчи бўлдилар. Юз берган воқеадан бу истак амалга ошмади. Амир Ҳайдар амру фармониға биноан улар Бухорога қайтдилар. 1221/1806 йилининг бошида Хоразм улуғлари ва катталари иттифоқ билан Элтузархонни шаҳид ўрнига укаси Муҳаммадраҳимхон⁷⁸⁸ га аҳд-паймон қилдилар ва салтанат тахти унинг масъуд вужуди билан зеб-зийнат топиб, раоё ва бароё унинг адлу инсофидан осойишталик топдилар.

Амир Ҳайдар Қутулук Муродбекни бир гуруҳ кўшин билан тахт талаби учун Хоразмга юборди. Аммо у акасиға аҳд-паймон қилиб иттифоқ тузганидан Бухоро сипоҳи Хоразмдан қайтиб келди. Бунинг яна бир сабаби бўлган. Айни шу вақтда Олимхон Фарғоний катта лашкар билан Бухорога тобеъ бўлган энг катта қалъалардан бири Диззах⁷⁸⁹ қалъасини қўлга киритиш учун ҳаракат бошлади. У қалъани қамалга олиб энди босиб олиш ниятида бўлганида ва мақсад эшиги фарғоналикларга очилиш арафасида Тошканд ҳокими Султонхўжа кучли лашкар билан Кандир давонидан ўтиб Фарғонага тобеъ қалъалардан саналмиш Шаҳидон⁷⁹⁰ ни муҳосара ва ўров қила бошлади. Фарғона вилоятининг чеккаларини талон-тарож ва хароба қилишга қадам босиб, аҳолиға кўп зулм етказди. Олимхон Диззах қалъаси қамали ва фатҳини ташлаб, Султонхўжани йўқ қилишни ундан ҳам муҳимроқ деб билиб, қайтиш байроғини кўтариб, Хўжанд шаҳриға вужуд соясини ташлаганда, Султонхўжа Тошкандий Фарғона худудидан чиқиб Тошкандга кетди.

Фарғона хони Олимхон йўлларни босиб ўтиб, салтанати пойтахти бўлмиш Хўқандга етиб келиб, кўшин йиғиб, укаси Умархон тахти фармониға бериб Султонхўжа Тошкандийга жазо ва танбиҳ бериш учун юборди. Йўл ва масофаларни босиб олгандан сўнг Умархон бу вилоятга кириб, Тошкандга яқин жойлашган Тўйтепа⁷⁹¹ га келиб кўним топди. Шу ерда Султонхўжа тарафидан бир элчи келиб итоат ва тобелик изҳор этиб, арз қилдики зафар анжомли сипоҳнинг ҳилоли Чирчиқ дарёси соҳилида кўриниши билан Султонхўжа Тошканд диёрининг акобирлари билан бирга хон кўлини ўпиш шарафига муяссар бўлиш учун келдилар. Элчини иззат ва икром билан қабул қилиб, у билан бир элчини Тошканд ҳокимини ўзига итоатга киргизиш учун ҳузурига юбордилар. Хон ҳам кўшин билан орқадан ҳаракатга тушиб, Чирчиқ дарёсининг лабида Султонхўжа белгиланган жойга келиб тушди. Бу ерда маълум бўлдики, Султонхўжани итоатга киргизиш учун ҳузурига борган элчи ҳибсга олинган ва ҳоким ваъдасидан қайтиб урушга тайёргарлик кўрмоқда. Қаттолнинг ўзи эса Чихил дўхтарон мавзеида кўнган. Умархон бу хабарни эшитгани захоти тўхтамасдан лашкарни жунбушга келтириб, Чирчиқдан ўтди ва кўшин сафини ростлаб Чихил духтарон мавзеи сари юрди. Қорасу мавзеида икки лашкар бир-бири билан учрашиб, эртадан шомгача талаш ва савашга турдилар. Султонхўжанинг оти тўп ўқидан ерга йиқилганидан Султонхўжа ҳам ерга кулаб тушди ва лашкари қочишга юзланди. Мансур кўшиннинг пиёдалари уни бошқалар билан бирга асир олиб Умархон хизматиға етказдилар. *Санчиқли* ва *қангли* тоифасининг бошлиқлари Султонхўжанинг укаси Ҳомидхўжани унинг ўрниға ҳукумат тепасиға қўйиб, Тошканд қалъасиға кириб олиб, уни мустаҳкамлаб мудофааға киришдилар. Умархон сипоҳи сардорларининг машварати билан қалъа забтиға аҳамият бермай, Ниёзбек қалъаси⁷⁹² ни босиб олиш учун қаттиқ киришиб уни қўлга киритди. Ниёзбек қалъасидан Тошканд ва унинг аторифидаги қасабаларға Чирчиқ дарёсидан сув олиниб берилар эди ва бу билоднинг калитиға ўхшар эди. Қалъа босиб олингач тўғонни олди боғланиб, сув

⁷⁸⁶ Абжад ҳисоби 1220/1805–1806 йилни беради.

⁷⁸⁷ Милодий 1805–1806 йили.

⁷⁸⁸ Муҳаммадраҳимхон – Хоразм хони (1806–1825).

⁷⁸⁹ Диззах/Жиззах/Дизак (кичик қалъа дегани) – қадимий Истаравшанга тегишли истехком, қалъа. Самарқанд–Хўжанд йўлидаги муҳим ҳарбий стратегик жой бўлган. Ҳозир Ўзбекистонда вилоят маркази.

⁷⁹⁰ Шаҳидон/Шайдон – Сирдарёнинг ўнг тарафида жойлашган жой. Ҳозир Тожикистондаги Суғд вилояти таркибида.

⁷⁹¹ Тўйтепа – Тошканд шаҳридан тўрт фарсах масофада жойлашган жой.

⁷⁹² Ниёзбек қалъаси – Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида барпо этилган Қўқоннинг истехкоми. 1865 йили рус аскарлари томонидан бузиб ташлаган.

бошқа тарафга оққизилди. Шаҳар сувсиз қолди. Қалъа қўриқлаши учун Муминбек бошчилигида бир гуруҳ тўфангчилар қолдирилиб, шаҳар қалъасининг камали бошланди. Қалъа атрофи қўшинга мўлжал қилиб бўлиб берилгач, шаҳар ичкарисига ғалла, ҳатто бир дона арпани олиб кирмаслик учун ўраб олинди. Қамалда қолганларнинг аҳволи шу даражага келдики, сувсизликдан қуруқликда қолган балиқдек изтиробга тушдилар. Озиқ-овқат йўқлигидан пичоқ бориб суякларига тақалгани боис бу ўлканинг уламолари ва саййидлари Ҳомидхўжа гуноҳини кечирिश учун сўз очиб, олийнасабли шахзода Умархон ҳузурига таъзим билан бош эгиб келдилар. Умархон шаҳар улуғларига аввал юборилган элчини озод этилиши, кейин Ҳомидхўжани бўйнига итоат занжирини олиб сипоҳи бошлиқлари билан гилам ўпиш иззатига мушарраф бўлиши мумкинлиги айтди. Шундан сўнг шаҳар улуғларига инъом ва эҳсонлар бериб қайтишларига рухсат берилди.

Уламо ва саййидлар қалъага кириб Ҳамидхўжа ва қўшин бошлиқларининг ақлу ҳушларини панд ва насихатлар билан ғафлат уйқусидан уйғотдилар. Эртаси шоҳона ҳадя ва тансуқотларни ҳозирлаб, маҳбус бўлган элчини озод қилиб, иззат ва икромига ҳаракат қилдилар. Олимлар ва саййидлар ҳамда сипоҳ бошлиқларидан бир гуруҳини ўзларига ҳамсухбат қилиш учун шавкатлик паноҳи бўлган Фарғона шахзодаси Умархон ҳузурига келдилар. Улар Умархон мулоқоти саодатига етиб, айб ва гуноҳларини кечирिश ва тавба суви билан ювиб, мурассаъ камар ва қиличларга сазовор бўлиб шаҳарга қайтиш учун рухсат олиб, меҳмондорчилик шартларини бажаришига киришиб, бу борада яхши хизматлар кўрсатдилар. Ўртада шундай қарорга келиндики, Фарғона давлатига бундан буён итоат қилиб, ҳеч қачон хиёнат қилиш фикрига борилмайди, душман дафъи учун лашкар ва турли нарсалар билан ёрдам берилади. Агарда Ҳомидхўжа бунга қарши сўз ва қилғилиги билан иш тутса ўша заҳоти ҳукуматдан кетган саналади. Тошканднинг янги чегараси Чирчиқ дарёсидан бошланиб, Ниёзбек қалъасининг шимолидаги ҳудуд билан Тошкандга ўтади. Чирчиқнинг жанубидаги ҳудудлар эса Фарғона мулкига қўшилади. Икки томоннинг уламо, умаро ва акобирлари бу шартларга рози бўлиб, унга имзо қўйиб, муҳрларини босгач шахзода Умархонга топширдилар. Умархон ҳам Тошканд ҳукуматини Ҳомидхўжага топшириб, бахтиёрлик ва тажаммул билан қайтди. Ниёзбек қалъасида Муминбекни минг нафар сипоҳ билан, Пискент қалъасида Арслонбекни минг нафар муборизлар билан, Кировчи қалъасида Абдусамадбекни минг нафар қўшини билан қолдириб, шу янги ҳудуд муҳофизатини уларга топширди. Умархон манзил ва масофаларни босиб ўтиб салтанат пойтахтига кириб келиб, хон ҳазратларидан кўп лутф ва навозишлар кўрди.

Жанг ва урушларда, муҳораба ва мудофааларда янги қўшин (аскари жаид) ҳар доим жонбозлик кўрсатиб, саъй ва ҳаракатлар қилар ва зафар келтирувчи номини олганидан кундан кунга хон ҳузурига эътибор ва ишончи ҳам ошиб бориб, хон ҳам ўз навбатида унинг кучайиши ва тарбиясига катта жаҳд ва ҳаракатлар қиларди. Эски сипоҳнинг бошлиқлари ва амирлари, *қипчоқ* ва *қирғиз* тоифасининг раҳбарлари ҳасад ва дўқоликдан оғир ғам чекиб, қайғуда эдилар. Қилвир, сохта сўфий ва саййидлар замона *қозилари* ва ҳокимларининг ҳукмлари билан ғайришаръий сулук ва тариқатлардан маҳрум этилиб, илму дин ва тариқатларни ўрганишга мажбур қилинганларидан муҳтожлик бурчагида қолиб, қийинчилик билан умр кўрардилар. Уларнинг аҳволлари юқорида таҳрир риштасига тортилган эди. Улар қипчоқларнинг сардорлари билан зимдан тил бириктириб, дўстлик алоқаларни ўрнатиб, иттифоқ ва биродарлик ҳақида битим тузишдилар ва ҳукуматга қарши биргалашиб ҳаракат қилиш, кўзғолон оловини бирга ёқиш учун келишиб олдилар. Кеча ва кундуз фурсат пойлаб, интизор турардилар.

Олимхон жорий қилган янги ва яхши қоидалардан бири шу эдики, ҳар йили навруз байрамида олий саройнинг мутасаддийлари, фаррошлари ва мулозимлари хон фармонига биноан шаҳардан ташқари бир кўнгил очар жойда қуёш ва ойга етадиган хайма ва ўтовларни ўрнатиб, турли гилам ва тўшакларни тўшардилар. Адолат тарқатувчи хон аҳли оиласи ва хос яқинлари билан шу ерга келиб истиқомат қиларди. Мамлакатнинг улуғлари ва юқори табақа намояндалари ҳам ўз қадр мартабаларига қараб ўша хурсандчилик таралувчи жойга келиб, ҳар хил ўтовларини ўрнатиб, ўзларига манзил ва турар жой қилардилар. Савдогар ва тижорат аҳли, ҳунармандалар ҳам ўз бойликлари ва аҳволларига кўра дўқон ва расталар барпо қилиб, ўз кучлари ва истеъдодларига қараб ҳар хил нафис матолар ва латиф ақмишалар савдосини ташкил қилар эдилар. Бир тарафда эса салтанат пойтахти бўлмиш Хўқанд қўшини ва аскарлари жой танлаб тўп ва милтиқ отиш, чавгон ўйнаш, сипоҳ машқи билан машғул бўлардилар. Ҳар хил касб ва ҳунарга эга бўлганлар ҳам тамошабинларга ўз ҳунарлари ва санъатини турли ранг ва сифатларда қатнашчилар кўзларига жилва берардилар. Дам олиш ва тамоша қилиш учун, бозор учун мамлакатнинг турли вилоят ва жойларидан кўп одамлар бу мавзегга келишарди. Бундан Фарғона аҳолиси кўп дунёвий ва молий манфаат, келим кўришган. Байрам бир ой шундай давом этарди.

Байрам якунида олийшон хон саройида умумий қабул эълон қилар эди. Ошпазлар ва шарбатчилар олий саройида турли туман лазиз таомлар пишириб, ҳар хил шарбатларни тайёр ва муҳайё қилиб қўядилар. Фарғона мулкнинг улуғ машойих ва уламолари, фақиҳлар, азиз ва икромли мударрислари, илм ва фазл аҳли олий саройга бориб хусравона кўриниш шарафига мушарраф бўлардилар. Ҳар бир киши хон мажлисида ўз мартаба ва даражасига муносиб равишда жойлаштирилиб, уламо, фуқаҳо ва фузало ўзаро баҳс ва мунозара қилиб илм ва билимларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Шайхлар эса тасаввуф китобларини хуфя ўқиб, фазилатларини зоҳир қилардилар. Қодирия ва жаҳрия сулукининг аъзолари эса бир тарафда зикр билан машғул бўлардилар. Хуш овозли хонандалар эса дилкаш куйлар билан яхши ғазалларни тараннум қилиб, мажлис иштирокчилари қалбини рикқат ва қайнашга келтирардилар. Жалолат нишон хон ўз вазирлари ва надимлари билан бу мажлисларга келиб, мажлис аҳлидан ҳол-аҳвол сўраб, меҳрибонлик кўрсатиб кейин ўз саройига қайтар эди.

Нусрат келтирувчи саройнинг мутасаддийлари ва ходимлари мажлис қатнашчиларига чиройли бежоғлик дастурхонларни ёйиб, ширин ва лазиз таомлар, ҳалво ва шарбатлари қўйиб, еб-ичишларига далолат қилардилар. Зиёфат ва меҳмондорчиликдан сўнг шу мажлиснинг улуғлари шоҳона инъом ва эҳсонлардан сарафроз бўлиб, кетишга рухсат олардилар.

Ўша йили эски одат бўйича гулшан рашкини келтирувчи Чор чаман мавзеида, райҳон ва ёсуман ўсадиган жойда шоҳона қабул тартиб ва оро берилди. Шоҳу сипоҳ ва раъиятдан ҳар ким ўз аҳволи ва мартабасига қараб бир жой ва маконни яшаш учун танлаб, истиқомат гиламини тўшаб, хурсандчилик ва сурур тарҳини чиздилар.

Байрамга якун ясаб, бир куни эски дастур бўйича уламо ва фуқаҳо, мударрислар ва ардоқли машойихлар хон қабулига келдилар. Илм ва билимларини зоҳир қилмоқ учун ҳаракат қилиб, мажлис ва меҳмондорчиликлардан сўнг, тухфа ва ҳадяларни олиб, шом намозини ҳозир бўлган жамоат билан ўқигандан кейин валинеъматлари ижозати билан кетдилар. Шу пайтда сўфий либоси ва кўринишида бўлган бир киши, девоналардек жазабага тушган ҳолда хонга яқинлашди. Атрофдагилар уни хон қўлини ўпишга келаётган деб тахмин қилишди. Бирдан у ёмонлик енгидан ханжар чиқартириб хон елкасига сўқти. Иккинчи марта зарба урмоқчи бўлганида хон қилич билан унинг қўлига урди. Ханжар унинг қўлидан ерга тушди. Иккинчи қўли билан ханжарни олиб, хон қўлида қилични кўриб қочишга азм этди. Хон баланд овоз билан бу хойинни тириклайин ушлаб олишларини буюрди. Ҳар томондан шу ифрит сийратни қўлга олиш учун одамлар ўзларини ташладилар. Уни ҳар тарафдан ўраб олиб, ушламоқчи бўлганларида у ўз кўкрагига ханжар уриб, ерга йиқилиб тушди. Унинг бошига келиб тигни қўлидан олмоқчи бўлганларида, ҳолатини текширсалар у ўлиб қолибди. Хон авзойига бир ғашлик тушди. Хоннинг хос ва яқинлари уни тўшаги билан кўтариб бир маҳсус жойга олиб бордилар. Жарроҳлар зудлик билан даволаш иши билан машғул бўлиб, қонга бўялган кийимларини саодатли танасидан ечиб, захмини ювдилар ва дору қўйиб боғлаб қўйдилар. Янги кийимлар кийдирдилар. Хон ўз яқинларига захм хатарли ва ҳалокатли эмаслигини, фақат кўп қон йўқотиш натижасида беҳол бўлишини айтди.

Бир вақт укаси Умархон ва катта ўғли шаҳзода Шоҳрух кириб келишди. Икки соатдан кейин хон ўзига келди. Олий сарой тўрт минглик янги сипоҳ билан ўраб олиниб, кеча ва кундуз қаттиқ қўриқлана бошланди. Бу суиқасдни фош қилиш учун кўп ҳаракат қилдилар, аммо фойда бермади. Ўша кечаси бу воқеа Фарғона вилоятига тарқалди. Бир неча кун ўтмасдан бу хабар янги тафсилот ва муболағалар билан жосус, айғоқчи ва узун қулоқ гаплар билан Бухоро ва Тошкандга ҳам етиб борди. Ҳатто «Олимхон шаҳодат топган», деган хабар ҳар ёнга тарқалди. Олимхон бўйнидан яраланган кечасининг эртаси умаро, вузаро, укаси Умархон ва ўғли шаҳзода Шоҳрухбек бу даҳшатли хабар тарқалиши билан, олий даргоҳга жамъ бўлдилар. Машварат мажлисида бу фитнани йўқ қилиш ва мамлакат аҳолисини тинчлатиш учун барча уламо, қозилар, ҳокимлар ва маъмурларга фармон бериб, бир ойлик навруз байрамига келган сипоҳ, раъият, тижорат аҳли, касбу қор ва хунармандалар ўз жойларида қолиб, олдингидек ўз ишлари ва хурсандчиликларини давом эттиришларини буюрдилар. Фарғона мулки ҳокимларига эса хоннинг соғ-саломат эканлиги ҳақида хабарлар жўнатдилар. Шу воқеанинг тўртинчи куниси амирзодалар, умаро, вузаро ва акобирлар, *шайх ул-ислом*⁷⁹³ ва улуғ олимлар амри олий билан олий саройга чақиртирдилар. Хос ва яқинлар хонни тахти равонга олиб,

⁷⁹³ Шайх ул-ислом – давлатда мусулмон жамоасининг бошлиғи. Саййид ва хўжалардан тайинланган. Маъсумхўжа Ҳакимхўжа ўғлининг бобоси Ортукхўжа эшон Кенагас ойим бинт Иброҳим оталиққа уйланган эди. Маъсумхўжа Ҳакимхўжанинг хотини Офтоб/Ойтоб ойим Олимхоннинг синглиси, Нарбўтанинг қизи эди. Ҳакимхўжани яна Хонтўра, Саирмсоқхонтўра, Подошоҳтўра, Муҳаммадсайидхўжа нақиб, Муҳаммадхоликхўжа, Аҳмадхон (Девонахўжа), Шарифхўжа ва Мустафоҳон номли ўғиллари ва бир қиз бўлган. Қизи Қорабошхўжа ибн эшон Мўсохўжа Даҳбедийга эрга теккан.

аъло даражали саройга олиб кирдилар. Ҳозир бўлганлар шарафли назарга тушиш бахтига мушарраф бўлиб, беандоза хурсанд ва шодмон бўлдилар.

Шу воқеалар бўлган пайтида жосус ва хабарчи айғоқчиларнинг ёлғон сўзларига ишониб, бунда ўз давлатлари учун алоҳида аломатларни кўриб ва фурсат ғанимат деб, билиб Бухоро амири амир Ҳайдар Зом(ин) ва Сангзор⁷⁹⁴ қалъаларининг ҳокими Маҳмудхўжа тўрани катта лашкар билан Ўратепани босиб олиш учун юборди. Тошканд *волийси* Ҳомидхўжа ҳам кўпсонли кўшин билан шахзода Умарбек билан бир йил олдин имзоланган аҳдномага биноан Фарғона мулкига ўтган ҳудудларни қайта олиш учун ҳаракатга келди.

Бухоро лашкари Ўратепага ёвуқлашиб уни қамалга олиш учун шайланаётганда, маслаҳат ва вақт тақозоси билан Қадам *иноқ* ва Раҳматуллоҳ *парвоначи* Бухоро амирлари билан мажбурий сулҳ тузиб, Ўратепани уларга қолдириб Ҳамидхўжа хужумини қайтаришни муҳимроқ деб билдилар. Ҳомидхўжа билан уруш ва жанг қилиш учун унинг томонига ҳаракат қилдилар. Ниёзбек ҳокими Мўминбек, шу ҳудуд қалъаларининг ҳокимлари Арслонбек ва Абдусамадбеклар Қадам *иноқ* ва Раҳматуллоҳ *парвоначининг* мададга келишларидан кучайиб, қалъа ҳимояси ва ёқлаши ишларида кўп ғайрат ва жонбозлик кўрсатдилар. Ҳомидхўжа ирода қўлини талаб халқасига етишмаганини, қалъани олинмаслиги, Бухоро амирларини Ўратепани олиб шу билан қаноат қилганларини кўриб, қилган ишидан пушаймон бўлди ва орқасига қайтди. Орада Аллоҳ карами ва июноти билан Олимхон тузалиб турди. Тошканд *волийси* Ҳомидхўжани ўз сўзидан қайтиб қилган ишлари Фарғона давлати зиммасига унга жазо бериш вазифасини юклатди, унга лойиқ жазо бериш вожиб бўлди. Фарғона мулкининг шуқуҳи ва иқтидорига у катта зарар етказмаган бўлса ҳам бошқаларнинг ибрати учун бу ишни қилиш зарур деб топилди.

Тошканд сафарига тайёргарлик учун амри олий содир бўлди. Андак замонда катта лашкар Тошканд сари ораста ва равона бўлди. Ўнинчи куни зафар анжомли ўтовни Чирчиқ дарёси соҳилида ўрнатдилар. Икки-уч кун шу ерда туриб, агарда Ҳомидхўжа ожизлик қадами ва бўйсунуш билан келиб, нусрат ошиёнли остонага ниёз ва синганлик юзини суриб авф ва кечирим тиласа, Фарғона давлатининг шону шавкатига қарши ундан содир бўлган исён ва беадаблик авф ва кечирим суви билан ювилар эди. Бироқ Ҳомидхўжа кибр ва ғурур шаробидан шу даражада маст эдики, бундай танбиҳ ва ҳалокат унга таъсир қилмасди. Қуёш Жавзонинг йигирманчи даражаси (10 июн) да эдики Чирчиқ кечувидан Хўқанд лашкари фавж-фавж ўтиб, сафларини ростлаб Тошканд қалъасига равона бўлдилар. Ҳомидхўжа ҳам ўз кўшини билан ташқарига хиром айлаб ... мавзеида лашкарларнинг мулоқоти руй берди. Тонгдан шомгача жанг тандири исиб, оқибат ғалаба ва фирузлик насими Фарғона кўшини томонига эсди. Ҳомидхўжа ва қозоқлар Банот ун-наъш юлдузлари каби тўрт тарафга тарқалиб кетдилар. Фарғона сипоҳининг отлиқлари уларни таъқиб қилиб кўпларини асирга олиб, катта бойликни қўлга киритдилар. Ҳомидхўжа мулку молидан мосуво бўлиб бир кечада Бухорога қочиб кетди. Ҳозир Минг ўрик номи билан машҳур тепалик ўша кечаси саодатли чодирлар билан безалди, атрофида эса зафарли сипоҳ қароргоҳи барпо этилди.

Эртаси Тошканднинг уламо, фузало ва улуғлари салтанат мартабали остонага шошиб бориб, фатҳ ва нусрат билан хонни муборакбод этиб, итоат ва тобеликни қайта тикланганидан ташаккурлар изҳор этдилар. Бу вилоятнинг аҳолиси ва улуғларига лутф ва марҳамат эшиклари очилди. *Товачи* ва *хабарчилар* омонлик ва тинчлик хушxabарини шу ҳудуд аҳолисига етказдилар. Ҳомидхўжанинг қариндошлари ва яқинларини Хўқандга юбориб, хазинадан маош тайинладилар. Тошканд ва унинг музофоти Саййид Алибек *парвоначига* берилиб, катта сипоҳни амирлари билан бирга бу ҳудуд муҳофазаси учун қолдирдилар. Олимхон обрў ва бахтиёрлик билан салтанат пойтахти сари қайтиш байроғини ҳилпирлатиб ҳаракатга келтирди ва ўзининг тинчлик соясини салтанат аҳолисининг бошига ташлади. Жаҳонгир ойга ўхшаб шарафли уйини ўзига манзил этди, адлу инсоф ва мулкнинг ободончилигига саъй ва ҳаракат бошлаб, бир неча ойни тинч ва осойишта ўказди.

Шу вақтда Маҳмудхўжани Бухоро лашкари билан келиб, Ўратепага яқин бўлган Нав қалъаси⁷⁹⁵ ни ўровга олгани, қалъа *кутволи* Тулабойни ғалла ва сипоҳ ўқ-дори, озиқ-овқатдан камчилиги бўлмай, жанг ва муҳорабасиз, ҳаққи неъмат ва номусга вафо қилмай мазкур қалъани топшириб, Бухоро итоатига ўтган хабари етиб келди. Бу хабарни эшитгани заҳоти Олимхон вужудида ғайрат қони қайнаб, ўзи шахсан Ўратепа томонига лашкар тортмоқчи бўлиб, захм еганидан олдин Фарғона давлати итоатида бўлган бу музофотни Бухоро давлати қўлидан қайтариб олмоқчи бўлди. Эски кўшиндаги амир ва бошлиқларидан Жамъабой қайтоқий, Ирискулибек, Раҳмонқули ва шуларга ўхшаш аҳли нифоқ хон арзига етказдиларки, ҳар доим жанг майдонида янги сипоҳ

⁷⁹⁴ Сангзор, қалъа – Жиззах–Самарқанд йўлида, Илон ўтди дарасида жойлашган.

⁷⁹⁵ Нав қалъаси –Тожикистоннинг Суғд вилоятида жойлашган туман, Тошканд вилояти билан чегарадош.

аскарлари музаффарлик ва ғолибликни ўзларига тегишли деб биладилар. Агарда шоҳ эски кўшинга марҳамати олийларини раво кўрсалар, қўлдан кетган ҳудудларни қайтариб олиш бизларга ҳам насиб бўлиб, хон розилигини қўлга киритиш учун имкон қадар жонбозлик ва жонфидоликка саъй ва ҳаракат қилиб, яхши ном қозонсак, деймиз. Софдил ва ишонарли хон уларнинг мунофиқона сўзларига ишониб, таклифларини қабул қилди. Олимхон эски сипоҳни Ўратепа сафарига тайёрлаб, кўшинга укаси шаҳзода Умархонни амир этиб тайинлаб, Ўратепани босиб олиш учун юборди.

Шу воқеалар давомида ҳануз Фарғона давлати итоатига кирмаган Тошкент ва Дашти қипчоқдаги кўчманчи саркаш тоифа ва қабилалар йўлтўсарлик ва қароқчилик каби фасод ишларни ўзларига касб қилиб, тижорат аҳли ва мусофирлар молу мулкани талон-тарож қилиб, баъзиларини ўлдириб, баъзиларни ночор ва яланғоч қолдириб кетардилар. Натижада Дашти қипчоқ ва Тошканднинг шимолидан тижорат ва мусофирлар йўллари ёпилиб қолди. Бундан ташқари мазкур қабилалар кечалари бир-бирларига ҳужумлар уюштириб, ғолиб томон мағлубларнинг молу мулкани талон-тарож бодига гирифтор қилиб, талончилик ва қон тўкишларни ўзларига расм қилиб олгандилар. Абилайхон номи билан машҳур бўлган Абулфайзхон Чингизий давридан то Олимхон замонигача Дашти қипчоқ, Туркистон, Тошканд мулканинг шимолий ҳудудлари бу фитна ва даҳшатли воқелардан хароб ва паришон ҳол бўлиб келаётган эди. Бу тоифалар ўртасида ислом шиори бўлмиш рўза, намоз ва закот йўқ бўлиб, улар бирор-бир хонга итоат ва тобе эмасдилар.

Энди Фарғона мулки таҳти тасарруфига ўтган Тошканд мулкани яна талон-тарож қилиб, раъиятга фақат зулму хароб қилиш қўлини чўзишни давом эттирдилар. Тошканд *волийси* Саййид Алибек ўз сипоҳи билан чиқиб уларнинг ёмонлиги оловини ўчириш учун саъй ва ҳаракат қилар эди. Аёвсиз урушлардан кейингина уларни Тошканд музофотидан ҳайдаб чиқарди. Бу хабар Фарғона хони қулоғига тўхтовсиз етиб боргач, у сипоҳи жаид билан Тошкандга бориб, Туркистон ва Дашти қипчоқдаги кўчманчи қабилаларни ўз итоатига киргизиб, ислом арконларини улар ўртасида жорий қилиб, уларнинг ёмон одатлари бўлган фитна ва фасодни йўқ қилишни истади. Фарғонанинг сипоҳи жадиди билан шу ерларга юриш қилиб, манзил ва масофаларни босиб бўлгач аввал Тошкандга кўним топди. Янги сипоҳидан ўн икки мингини Зухур *девонбегига* бериб, унга Тошканднинг уламо ва машойихларидан эллик нафарини қўшиб, Туркистон ва Дашти қипчоқни босиб олиш учун юборди. Мазкур шайхларга аввал панд ва насиҳатлар билан қабилалар ўртасига бориб, тинч йўл билан уларни ислоҳ қилишни буюрди. Агарда олимлар ва солиҳ шайхларнинг насиҳатлари ўз мақсадига етмаса зўрлик ва қурол билан исломни бу қабилалар ўртасига жорий қилишларига амр берди. Масжидлар ва диний мактаблар бино қилишларини, муаллимлар тайинлаб, муносиб жойларда истехком ва қалъалар қуришни, етарли даражада кўшин қолдириб, кейин қайтишларини буюрди.

Амри олий вожиб, деб Зухур *девонбеги* ул ҳудудга шошиб, кўчманчи тоифаларидан кўпчилигини тинч ва уруш йўли билан итоат ва тобеликка киргизди. Чимкент мавзеида бир қалъа барпо қилиб у ерда сипоҳи жаиддан юз нафар пиёда ва тўрт юз отлик, тўфангдор аскарни иккита тўп билан қолдириб, у ердан Авлиё ота тарафига ҳаракат қилди. Бу ердаги кўчманчи қавмларни ҳам итоат арқони билан боғлаб, бу ерда ҳам бир метин қалъа бино қилди. Минг нафар жангчини Абдуллоҳ *додхоҳ тожик* ва Шоҳбек *додхоҳ тожик* таҳти фармонларига бериб, у ердан орифлар султони бўлмиш Хўжа Аҳмад Яссавий мазори сари йўл олди. Бу ноҳия ва музофот фатҳ ва тасхир бўлишига чамаси бир нафас қолди. Бироқ бу шуъбадабоз дунё яна бир ўйин бошлади. Фарғона ҳукуматининг аҳволи ва замони бошқа ранг ва кўринишга эга бўлди, бир неча йиллик тараққиёт ва ғолиблик нест ва нобуд бўлди.

Бу аҳволнинг тафсилоти қуйидагича. Юқорида зикр қилинган эдики, эски сипоҳнинг амирлари ва фитна фирқасининг бошлиқлари Жумъабой Қайтоқий, Ирисқулибек *парвоначи* ва Раҳмонқули *додхоҳ* шаҳзода Умархон фармони остида Ўратепа сафарига борган эдилар. Улар Ўратепани қамал ва ўров қилганларида унинг ҳокими муҳосиранинг аямсизлиги ва кўр-кутининг йўқлигидан қийналиб, Нав қалъасини жангсиз Ўратепага топширган, Фарғона итоатидан чиқиб Бухоро амири тобелигига ўтган Тўлабой *тўқсобани* фарғоналикларга топширди. Акаси Тўрахўжани ва Шукуралли *тўқсобани* Ўратепа сипоҳининг бир неча аъёнлари билан бирга гаров сифатида юборди ва уч ойдан кейин Қўқон итоатини зиммасига олиши, Фарғона хонининг нусрат келтирувчи саройига боғланишини ваъда берди. Эски сипоҳ (Умархон амирлигида) бу ишлардан фориғ бўлгач Ўратепадан йўлга чиқиб, Фармон кўрғон кечувидан Сирдарёсидан ўтиб, нариги соҳилида кўним топди.

Ўшал кечаси Ўратепа ҳокими томонидан тутиб олиб фарғоналикларга берилган Тўлабой *тўқсоба* посбонларининг бошлиғига уни хилват бир жойга шаҳзода Умархон ҳузурига олиб боришини, унга ва Фарғона давлатига келими тегадиган махфий арзи борлигини айтди. «Бу менинг қутулишимнинг сабаби ва санинг иззат ва эътиборингнинг восиласи бўлади, зинҳор бу сир

очилишига муболага этгин, аксинча кеч бўлиб катта бир фитнага боис бўлади», деб айтди. Қоровул бунга рози бўлиб, бу сўзларни Умархоннинг ишочли мулозимларидан бирига айтди. Умарбек қулоғига булар етиб борганда, ярим тунда Тўлабойни занжир билан ҳузурига талаб қилиб, сир асрорини билмоқчи бўлди. Тўлабой *тўқсоба* арз қилдики, эски сипоҳ ва қипчоқларнинг сардорлари Жумъабой қайтоқий, Ирисқулибек, Раҳмонқулибек ва шуларга ўхшаш амирлар янги сипоҳни ташкил этилиши ва унга хони замоннинг кўп аҳамият беришидан улар жуда хафа бўлиб, шариати шариф ҳукмлари натижасида ўз сулуклари ва тариқатларидан маҳрум бўлган шайхлар ва сўфийлар билан тил бириктириб, дўсти мушфиққа айланганлар. Олимхонга сўфийнинг қасд қилиши, мени ҳам Нав қалъасини жангсиз топшириб, Бухоро амири итоатига ўтишим мана шу эски сипоҳ амирлари ва қипчоқлар бошлиқларининг васваслари ва таълими билан бўлган. Ёмонликни ўзларига касб қилиб олган бу фирқа фурсат пойлаб, сизнинг хонадонингизга куфрони неъмат қилиб, сизларни орадан кўтариб Талас мавзеида бўлган Ҳожибек авлодидан бировни келтириб хонлик тахтига ўтказмоқчи бўлиб юрибдилар. Бу фитнанинг олди олинмаса, ихтиёр лажоми кўлдан чиқиб кетади, шунда пушаймонликдан фойда бўлмайди. Шаҳзода Умархон деди: «Мен бу хабарни хонга маълум қиламан, нима буюрса шунга қараб амал қиламан». Тўлабой эса «давлатнинг хавфсизлиги шундаки, яқинларингиз ва хос сипоҳнинг сардорларини мен билан бирга амр қилсангиз токи шу кеча бориб ғаламисларни тутиб, бандга солайлик. Уларни тутиб олгандан сўнгра хон ҳукми билан таҳқиқ ва тергов қилиш мумкин. Сўзларим рост бўлса, муродга етасиз, илло ўлимга розиман», деб айтди. Хонзода Умарбек эса деди: «Ҳеч бир хиёнат зоҳир бўлмасдан улуғ амирлар ва эски хизматкорларни қандай қилиб бандга солиш мумкин? Улар рад қилсалар ва сенинг сўзларинг ҳақиқатга тўғри келмаса, Холик ва халқ олдида қайси юзим билан улардан узр сўрайман? Бу хатарли ишни хон рухсатсиз қандай бажариш мумкин? Хонлар саройидаги эски ва янги улуғлару амирлар ўртасидаги бундай иғво ва шикоятлар хон ҳузурида жуда кўп бўлган». Тўлабой айтдики: «Сизнинг чопарингиз бориб хон ҳузуридан ҳукми олиб қайтгунча бу муфсидлар сизга имкон бермайдилар, зеро бу фитна оловини ёқиб юбориш учун улар узок вақтлар кечаларни машварат билан ўтказганлар. Агарда уларни йўқ қилиш ёки тутишга журъат қилмасангиз қуролланган хос яқинларингизни олиб, мен билан бирга махфий равишда, яширин йўллар билан хон ҳузурига шошилинг. Улар сизни кўлга олмагунча, кучлари заиф ва ноқислигича қолади. Менинг арзим қабул қулоғига етмаса еган нимаиким ҳаққи ўз зиммамдаги ишни бажардим, энди ихтиёр қўлингиздадир».

Бу учрашувдан сўнг Тўлабой ўз жойига қайтарилди. Умарбек ўз яқинлари ва сирдош *махрам*⁷⁹⁶лари сардорларини талаб қилиб Тўлабой сўзларини уларга айтиб бериб, шу хусусда машварат бошлади. Умарбекнинг сардорлари ва яқинлари тажрибасизликларидан «эҳтиёткорлик ёмон фикр», деган мақол мазмунига амал қилмасдан, душманни ҳақир деб билиб, чора ва тадбир ишлаб чиқишда журъат қилмадилар. Раҳматли Саъдий айтади:

Сари чашма шояд гирифтан ба бел,
Чу пур шуд нашояд гирифтан ба пил.
Ҳазар кун зи ижмои камтар касе,
Ки аз қатра селоб дидам баса.
[Булоқ бошини бир белкурак билан тозаласа бўлади,
Бироқ у тўлиб кетса фил ёрдами билан ҳам тозалаб бўлмайди.
Заифларни бирлашишларидан эҳтиёт бўлгин,
Томчидан сел бўлиб, тошиб кетганини кўп кўрганман].

Қилу қол ва саволу жавоб билан бир неча соатни ўтказиб, ҳеч бир амр ва қарорга келмай машваратни бошқа сафарга қолдириб ҳар ким ўз қароргоҳига қайтди. Эртаси оммавий қабул ва кўринишдан кейин, барча амирлар келиб ўз қўшинларига қайтишлари билан Умарбекнинг хос яқинлари бир-бир унинг ҳузурида йиғилишиб, ўша муаммо устида яна машварат мажлисини туздилар. Кўпчилик «Фарғона давлатидан юз ўгириб Бухоро амирлари олдига борган, Ўратепа ҳокими қўлидан жанг ва ҳарб билан қўлимизга тушган шу одамнинг сўзига кириб, улуғ амирлар ва эски хизматкорларни ҳеч бир хиёнат ва жинойт қилмасдан қайси далил ва асослар билан ҳибсга олиш мумкин!? Бундан ташқари бирор-бир сипоҳ бизга қарши чиқмаган, жанг ва уруш қилиб қочишга мажбур қилмагани боис, рост ёки ёлғонлиги аниқ бўлмаган хабардан воҳимага тушиб (чиқиб кетадиган бўлсак) кўрқув ва беномуслик бўйнимизга тушади.

Фараз қилдик, Тўлабойнинг сўзлари чин. Унда карам ва зафар берувчига таваккал қилиб мудофаа ва муҳорабага киришамиз. Бироқ энг яхшиси бу хабардан ишончли бир киши билан хоннинг равшан замирига арз қилмоқ мақсадга мувофиқ. Хон нимаики буюрса ўшани бажаришимиз лозим.

⁷⁹⁶ Маҳрам – хос соқчи, ходим ва хизматкор.

Бундай улуғ ишларни ўзимизча қилмайлик. Умарбекка учинчи фикр, яъни хон ҳузурига бир ишончли кишини юбориш мақбул бўлди. Кечаси Абдулқаюм *тўқсобани* ўн нафар мулозимлари билан хабарни етказиши учун тайинланди.

Бироқ бу тадбир амалга ошмасдан олдин осий амирлар ва улар билан фитна ва фасодга ҳамфикр бўлиб, бирлашган ғалаёнчи эски сипоҳ учта гуруҳга бўлиниб, ўн минг нафарни Тошканд йўлини қўриқлаш учун юбориб, бир фавжини Раҳмонқулибек олиб Умарбек хос сипоҳи атрофини ўраб олди, бир гуруҳ Жумъабой қайтоқий ва Ирискулибек раҳбарлигида хонзода ва унинг сардорларини қўлга тушириш учун равон бўлишди. Умарбекнинг хос сипоҳи ва ғалаёнчилар орасидаги масофа чорак фарсахдан ошмасди. Бироз қаршиликдан сўнг Умарбек ва унинг сардорлари қўлга олинди. Қочиб кетганларни шу ёвуқ атрофда жойлашган Раҳмонқули лашкари асирга олди. Шу ўлим жарлигидан ўзларини олиб қочганлар Тошканд йўлига чиқишлари билан посбонлар қўлига гирифторм бўлиб, бирор киши қочиб қутулишга улгурмади. Ўша кеча Умарбек ва унинг беш юз нафардан ортиқ хос аскарлари ва мулозимларининг қўл ва оёқларига банд солиб, арава ва туяларга миндиртириб, сипоҳий ўраб олган ҳолда чўл ва саҳро йўли билан салтанат пойтахти бўлмиш Хўқандга равона бўлдилар. Дарёни кечиб ўтиб, Чорбоғи туранғу⁷⁹⁷ мавзеида тушдилар. Шу манзилда туриб илгарироқ шаҳар ичидаги ғайри шаръий деб топилган дарвеш ва сўфийларгаким, улар зикри бир нечта жойда китобхонларга берилган эди, *жарчи* жўнатиб ўзларининг носавоб ишларидан уларни хабардор қилдилар. Улар билан эртага кечаси тун ярим бўлиши билан ўз тарафдорлари билан келиб, олий саройга яқинроқ бир жойда пистирмада бекиниб туриб, кутиб туриш учун келишиб олдилар. «Агарда биз ҳийла ва тадбир билан қалъа ва олий саройни қўлга олсак, хушхабарини етказамиз. Мабодо тўп овози эшитилса ўша соати хон саройига ҳужум қилиб, хазина ва қасру саройни жанг ва куч билан босиб олишимиз керак. Шундан кейин келажакда қилинадиган ишлар устидан машварат қилиб, бош қотирамиз», деб айтдилар. Хабарчининг кетидан барча жамаот бўлиб қоронғу тушиши билан Хўқанд дору-с-салтанатига етиб келдилар. Ўшал вақтларда Хўқанд атрофи айлана хандақ билан ўраб олинмаган, ҳимоясиз ва мустаҳкам эмас эди. Улар осонгина шаҳарга кириб, икки гуруҳга бўлиндилар. Бир гуруҳ Жумъабой қайтоқий бошчилигида Ғозиёнлиқ йўли билан, иккинчи фавж Ирискули ва Раҳмонқули амирлигида Мўйи муборак йўли билан шаҳарга кириб, иккала гуруҳ қалъа дарвозаси олдида учрашиб, бирлашишлари керак эди. Шаҳарнинг шихнаси сипоҳнинг шаҳарга дохил бўлишидан хабар топиб, Жумъабой қайтоқий билан мулоқот қилиб, ундан бу кечки вақтда сипоҳнинг шаҳарга келиши сабабини сўради. У «биз хони ҳумоюн фармойиши билан Ўратепада асир тушганлар, Ўратепа ҳокимининг акаси Шукурвали *тўқсоба* ва бошқа аъёнларини ўзларимиз билан олиб келганмиз. Қалъа ичида уларни сақлаш учун қолдириб, бир неча кун сипоҳга дам бериб Тошкандга қайтажакмиз», деган жавобни олди. Нодон шихна бу ёлғонларга ишониб, ўз мақомига қайтиб кетди. Ғалаёнчи амирлар олий сарой атрофини ўраб олиб, қалъа посбонларидан дарвозаларни улар учун очишларини илтимос қилдилар. Қоровуллар улардан мунча кеч келганларини сабабини сўраганда, улар «Ўратепа ҳокимининг акаси Султонхўжани бошқа амирлари билан қўлга туширганимиз боис, амри олий мужиби билан қалъада қолдириб, бир неча кун лашкарга дам бериб, зудлик билан Тошкандга кетишимиз лозим», деб жавоб бердилар. Посбонлар улуғ амирлардан бундай жавобни эшитиб уларнинг макру ҳийла ва куфрони неъматларидан беҳабар, текшириб турмасдан, эҳтиётсизлик билан исёнчи амирларни қалъа ичига йўл бердилар. Уларнинг сони икки юз нафардан ошмайди, деб ўйлаган эдилар. Исён ва ғалаён аҳли ўз сардорлари билан қалъага кириб, дарвозаларни эгаллаб олдилар. Посбонлар бу ҳаракатларни кўриб, мудофаа ва муҳорабага киришдилар. Уларнинг тўфанглари овози барча сипоҳ аҳли ва исёнчилар билан ёрдам беришга ваъдалашган пистирмада мунтазир турган дарвешлар қулоғига ҳам етиб борди. Булар шариатга хилоф иш қилганлар бўлиб, аксарлари осий ва исёнчилар билан бирлашдилар. Хоин амирлар қалъадагиларга шихна, шаҳар улуғлари ва раъиятнинг ёрдами етиб келмаслиги ва уларнинг ишлари чиппака чиқмаслиги учун дарвешлар ва уларнинг ҳамтовоқларига минг нафар отлик бериб салтанат пойтахти бўлмиш Хўқанд шаҳрининг улуғлари ва аъёнларининг уй-жойларини талон-тарож ва хароб қилишни буюрдилар. Шаҳарнинг авбошлари ва фасод келтирувчи жоҳиллари ҳар томондан келиб, бу исёнчи жамоага қўшилиб ғалаён кўтариб, шаҳар ичида талончилик ва ёнғин ёқиш билан машғул бўлдилар. Қалъа мудофаачилари исёнчи сипоҳнинг бешдан бир қисмига ҳам тенг бўлмагани билан, ҳеч жойдан мадад ва кўмак олмасдан тонггача жонбозлик билан қаршилик кўрсатиб, мақтул ва мажруҳ бўлдилар. Қолганлари жанг ва урушдан чарчаб, ожиз ҳолда асирликка тушдилар. Исёнчи амир ва сипоҳларидан ҳам кўп киши ҳалок бўлди. Исёнчилар қалъа, ундаги катта ўқ-дори, озиқ-овқат

⁷⁹⁷ Туранғу – толга ўхшаш бир тур дарахт номи.

ва хазинага эга бўлдилар. Дарвеш ва авбошу паст одамлар билан талончилик билан банд бўлган отлик сипоҳ эрталаб тонггача уламо, ашрофу акобир, тожирларнинг дўконларини талон-тарож, супургиси билан пок-покиза супуриб, бидъат сулук ва тариқатларни шариати шарифга қарши деб хукм қилган ва фатво чиқарган олимлар, фақиҳлар ва ҳокимларни тутиб олиб, минг хорлик ва зорлик билан ўлдириб, ул азизлар жасадларини ит ва ҳайвонлар олдига ташладилар, йиртқичлик ва қонхўрликда, жафокорликда заррача паст келмадилар. Билим ва қурол эгалари яширин манзилларга қочиб, қутулганлар бу ўлкадан кўчиб хуфия бурчакларида ётдилар.

Исёнчиларнинг сардорлари Жумъабой қайтоқий, Ирискули ва Раҳмонкули *жарчи* юбориб талон-тарож ва босқинни тўхтатишни буюриб, барчани саройга келиб салтанат хонадонидан бирор кишини ҳукмронликка сайлаб, ундан кейин бошқа ишлар билан машғул бўлишни маълум қилдилар. Исёнчи ва фитна аҳли талон-тарождан қўл тортиб, дор ул-аморада жамъ бўлдилар. Мажлисда ҳукмдор сайлаш масаласида ҳар хил таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилди. Бир гуруҳ Шералибек ибн Ҳожибекни танладилар. Бошқа гуруҳ Олимхоннинг укаси Умарбекни сайлаш тарафдорлари эдилар. Иккала жамоа ҳам ўз даъволарини далил ва бурҳонлар билан асослаш учун ҳаракат қилардилар. Раҳмонкули *минг* тоифасидан бўлиб, қавми ва тобеларининг кўплиги ҳамда нотиклиги, сўзлашда барчадан чечанлиги билан ажралиб туриб, Фарғона хонлари ҳам аксаран *минг* тоифасидан бўлганидан у насабини уларга боғлаб, бундай яқинликдан сипоҳнинг бошқа сардорлари ичида кўпроқ эътибор ва ихтиёрга эга бўлганидан сўз жilовини қўлга олиб деди: «Шералибек макмлакатнинг бир чекасида яшаб, ҳукумат бошқарувининг феълу атворидан яхши баҳраманд бўлмаган, отаси ҳам ҳукуматга етмаган. Халқ орасида маъруф ва машҳур эмас. Уни ҳеч ким билмайди. Бундан ташқари Шералибек узоқ жойда. Бир гуруҳ сипоҳ юбориб уни олиб келгунча ўн беш кун ўтади. Ишимиз эса ҳали субутга етмаган, мамлакатнинг бошқа ҳудудлари бегоналар қўлидадир. Шундай бир вақтда ҳукмдорсиз қолсак тўғри ва савобдан бўлмайди. Янги сипоҳ тахти фармонида бўлган Олимхон бизга қарши лашкар тортса ҳолимиз хароб бўлар. Энг яхши ва маъқул иш бу Олимхоннинг укаси шахзода Умарбекни ўзимизга ҳукмрон қилиб сайласак. У хонзода, илму дониши билан машҳур ва маъруф бўлган. Фарғона халқи унинг эҳсон ва карамини кўп кўрган, ёрдамчи ва орқадошлари ҳам кўпдир. Агар уни хон қилиб танласак, ҳозирча биз билан бирга бўлмаган сардор ва амирларнинг баъзилари унга мойил бўлиб, бизга қарши чиқмасликлари мумкин. Уларнинг ўрталарида тарқоқлик ва қаршилик ҳам пайдо бўлиши аниқ. Бундан эса бизнинг ишимиз тараққий топиб, ғалабани қўлга киритиш осон кечади. Ҳукумат бошқаруви жilовини қўлимизга оламиз, Умарбекка эса салтанат ва ҳукумат номигагина берилади. Кундалик сарф-харажатини тайинлаб, бизга хайрихоҳ бўлганлардан посбон ва хизматига одамларни қўямиз. Бизнинг рухсатимиз унинг ҳузури ва қабулига ҳеч ким киритилмайди. Қўлимизга тушган унинг яқинлари ва тобеларини ҳибсда яна ушлаб туриш керак. Бу ҳолатда Умарбек бизга ҳеч қаршилик кўрсата олмайди».

Бу фикр ва тадбир барча исёнчи ва ғалаёнчи амирларга маъқул тушди. Хонзодалар ичидан Умарбек ҳукмронлик ва хонлик учун сайланди. *Волий* ва ҳокимларни амалларидан олиб янгиларини тайинлаш борасида сўз кетганда Раҳмонкули деди: «Музофотларга ҳоким ва лашкарда амирларни алмаштириш ва тайинлаш бўйича сўрасангиз, менимча биров кутишимизга тўғри келади. Вилоятлар ва амирликни ўзаро бўлиб олсак, Тошканд ва Туркистонда бўлган амир ва бошлиқларнинг адоват ва хусуматлари бизга нисбатан янада ошади, умидлари қўлдан тушиб, бизни синдириш ва интиқом олиш учун саъй ва ҳаракатлари янада ошиши мумкин. Олдимизда турган муҳим ишлар биздан сабр ва тоқатни талаб қилади, қисток ва шитоб бизга керак эмас, тафаккур ва мулоҳаза юритиш вожибдир. Элчилик тариқасида уларнинг ҳузурларига бир доно кишини юбориб, уларни ярашиш ва дўстликка чақирсак, ҳурматларини жойига қўйсак. Давлат ва миллатнинг муҳим ишларидан бўлмиш амал ва мансабларга тайинлаш ва олишда улар билан маслаҳат ва машварат қилсак. Шунда душманлик дўстликка ва қўрқув яқинликка алмашиш бўлиши мумкин». Унинг сўзи шу ерга келганида мажлис аҳли Раҳмонкулининг фикр ва тадбирига қойил қолдилар.

Раҳмонкулибекнинг ишорати билан балоғат шиор бир мунший Умархон номидан марҳамат ва ваъдалар билан тўла бўлган бир даъватнома (истимолотнома) тартиб берди. Яна бир аҳднома исёнчи амирлар тарафидан тайёрланиб, унда иттифок, иттиҳод ва аҳду паймонлар ёздириб, таъзимга лойиқ бир эски Қуръон билан онт ичиб, қитмир амирлар унга қўл қўйиб ўз муҳрларини босдилар ва аҳли фитнанинг ишончли кишиларидан бўлмиш Абдулкарим *тўқсоба* орқали яширин тарзда Тошкандга юбордилар. Абдулкарим шиддат билан Тошкандга келиб у билан олдиндан таниш, дўстлик алоқаси бўлган амир ва вазирлар, қариндошлари билан учрашиб аҳдномани уларга кўрсатиб, уларни ишонтириш учун ўзи билан олиб келган Қуръони мажидни далил қилди ва шу Қуръон билан амирлар онт ичганларини айтиб, хийла ва васваса билан машғул бўлди. Фард:

Агар инсон лаби талбис кушояд,

Ба шайтон роҳи хомӯши намояд.
[Одам агар хийлага қўл урса,
Шайтонга жим ўтиришдан бошқа чора қолмайди].

Шу вақтда фитна аҳли ва қирриқ дарвешлар қўлидан ўша талон-тарож ва босқинчилик кечаси қочиб, мажруҳ ва оч-яланғоч, пиёда салтанат пойтахтидан Тошкандга етиб келган шихна ва бошқа қочоқлар Хўқандда содир бўлган фожиали воқеалардан сарой хизматчиларини хабардор қилдилар. Улар орқали Олимхон ҳам хабар топиб зудлик билан Тошкандда бўлган амиру вузаро олий даргоҳга чақирилди. Машварат мажлисида лашкарнинг қолиши ёки ҳаракат қилиши, бу балонинг дафъи ҳақида маслаҳат уюштирдилар. Ҳар хил таклиф ва мулоҳазалардан мажлис узоққа чўзилди. Охири мажлис аҳли икки гуруҳга бўлинди. Садоқат сайқалидан кўкраклари ойинаси мусаффо бўлганлар айтдиларки, «Дашти Қипчоқ ва Туркистонда янги сипоҳ билан ислом шиорлари ва шариат аҳкомини жорий қилиш билан банд бўлган амир ва сардорлар Тошкандга чақирилсин. Зудлик билан Хўжандга бориб, у ердаги сипоҳни ҳам олиб, биргаликда хонаки душманлар жангига кириш лозим, зеро ички душманни йўқ қилиш барча ташқи ишлардан ҳам муҳимроқдир».

Мажлис аҳлидан юраклари нифоқ марази ва куфрони неъматга гирифтор бўлганлар айтдиларки, «бу ишда сусткашлик ва кечикиш асло тўғри эмас. Лашкар йиғишга ҳожат йўқ. Фатҳ ва нусрат лашкар ва сипоҳнинг кўп ёки камлигидан бўлмайди. Хумоюн хоннинг ихтиёри соясида бўлган шу сипоҳнинг кучи ҳам исёнчи амирлар билан олиб бориладиган барча мудофаа ва муҳораба ишларига етади. Карам ва зафар ато этгувчига таваккал қилиб, куч-қудрат ва шавкатлари ошмасдан зудлик билан душманга қарши бориш керак. Дашти Қипчоқ ва Туркистонда бўлган барча сипоҳ ва амиру сардорларни Тошкандга чақирсак, кўчманчи қабилалар буни лашкарнинг зайифлиги ва чекиниши деб билиб, кўққисдан балвойи ом кўтарилиб кетиши мумкин. Бу эса улар билан насаб ва жинсиятда яқин бўлган Тошканд атрофидаги кўчманчи қозоқия тоифаларига ҳам таъсир қилиши мумкин. Натижада икки душман орасида қолиб кетамиз. Бу ноҳия ва мамлакатнинг кўчманчи аҳолиси ҳали ишончи бўлмаганидан лашкарнинг ярмини бу худудда қолдириб, қолганини Тошкандда жойлаштириш лозим. Қачон ва қаерда бизга мадад ва ёрдам керак бўлса Тошканддан сўраб оламиз».

Аксар умаро иккинчи гуруҳ фикрини маъқуллаши натижасида Дашти Қипчоқ ва Туркистонда бўлган сардор ва қўшин иккига бўлиниб, бир қисм у ерларнинг муҳофазати учун қолиши, иккинчи гуруҳ эса Тошкандга келиб туриши учун фармон берилди.

Олимхон давлатининг қуёши ботиш чегарасига етиб, Аллоҳ хоҳиши Фарғона мамлакатининг аҳволини ўзгариш ва айнишига олиб келди. Аҳли нифоқ машваратига амал қилиб, тафаккур ва эҳтиёткорликни унутиб, айни шу кунларда керак бўладиган янги сипоҳни худудларни муҳофизати учун қолдириб, ўзидан узоқлаштирди. Рубоъи:

Ҳар кас ки имону дину дунё талабид,
Бе бадрақай ҳазм ба манзил нарасид.
Ойнаи фикрро бизуд сайқали ҳазм,
То рўйи мурод дар ў натвон дид.
[Имон, дину дунё сўраган киши,
Етмайди агарда эҳтиёткорлик бўлмаса иши.
Фикр ойинасини эҳтиёт сайқал берилур,
Ва унда кўради ўз муродини киши.]
Андешаи эҳтиёт ҳар кас ки накард,
Аз муҳликаи меҳнату хусрон нараҳид,
Гар қоидаи ҳазм карду мақсуд наёфт,
Маъзур ба назди аҳли дониш гардид.
[Ким ўз эҳтиётини олдиндан қилмаса,
Меҳнат ва машаққатдан қутулмас ҳеч.
Эҳтиётини қилсаю мақсадга эришмаса,
Аҳли дониш олдида узри қабул, бўлса ҳам кеч.]

Олимхон Тошкандда Саййидалибек ва Арслонбекни қолдириб, хизмати ўзангиси остида бўлган сипоҳ ҳамда Тошканд қўшинидан беш минг нафарини олиб исёнчи ва ғалаёнчиларга қарши Фарғона салтанатининг пойтахти сари равона бўлишга фармон берди. Кировчи қалъасига етиб келганида унинг ҳокими Хушвақт *додхоҳ* куфрони неъмат зоҳир қилиб, қалъа дарвозаларини ўз валинеъматига ёпиб ташлади. Жазо бериш ва интиқом олишга вақт йўқлигидан, жиловни Тилав тарафига буриб, Кандир давони этагида отдан тушди. Лашкар амирлари ва бошлиқлари билан қайси тарафдан юриш мақсадга мувофиқ мазмунида машварат қилди. Баъзи намак ҳаққи ва қадрини

билганлар «Хўжандга бориб, улуғ давлатхоҳлардан бўлмиш ҳокими Холиққулибекни лашкари билан олиб, бирга душманга қарши борсак», деб айтдилар. «Душман қўшинидан беш баробар кам бўлган сипоҳ билан, тўғри ва текис йўлларни қўйиб, бу тоғ ва давонлар билан боришимииз ҳикматдан узоқдир».

Диёнат нуридан кўзлари баҳраманд бўлмаган бошқа жамоа эса душманлик уруғини диллари экинзорига экиб, дедилар: «Биз Ирисқулибекни катта лашкар билан келиб Хўжандни аҳду паймон билан қўлга киритишини, Холиққулини эса Хўқанд дору-с-салтанатига юборганини эшитганмиз». Бошқа бир мунофиқлар ҳам бу сўзлар чинлигини турли баҳоналар билан тасдиқлаш йўлига ўтдилар. Бу ғаразли сўзлардан Хўжанд сафари қолдирилиб, ул манзилдан шахзода Шохрухбекни барча аҳли байт, ҳарам ва мулозимлар билан Тошкандга қайтариб юбордилар.

Қор ва ёмғир шиддатидан Кандир давонидан лашкарни олиб ўтиш имкони бўлмади. Қизил кўприк дарасидаги йўл билан равона бўлиб, икки кун тошлоқ, тор ва будур йўллардан юра бошладилар. Тўплар ва ўқ-дори ва озиқ-овқат юклатилган от ва туялар йўл азоби ва қирчиллама совуқ шиддатидан юришдан қолганларида юкларини тушириб, кўмиб ташлаб юришни давом этдилар. Учинчи куни Бодом чашма⁷⁹⁸ мавзеида қўниб, ёмғир ва қор кўплигидан бу ерда бир кун дам олдилар. Шу вақтда ғаддор ва жафокор амир ва бошлиқлар тарафидан йўлни тўсишга маъмур бўлган Шодмонбек *қипчоқ* ва Муҳаммад Шарифбий *қурама* Олимхон лашкари олдини тўсиб, ҳужум қилишга қасд қилдилар. Олимхон лашкарини ўз жойида қолдириб, хос сипоҳидан беш юз нафар галабаҳодурларини олиб, сафларини ростлаб душманга ташланди. Душман сафини ёриб, шу жангда мардоналик додини берди. Лашкар Олимхондан шундай журъат ва шижоатни кўриб, улар ҳам кўққисдан ҳамлага ўтиб, ул осий ва фожирлардан кўпларини ўлдириб, баъзиларини асирга олдилар. Қолганлари тоғ ичи ва ён атрофга тарқалиб, қочиб кетдилар. Хон лашкарини қувишдан тўхтатиб, ўз мақсад сари йўлга чиқишни буюрди. Юриш давомида тоғ йўлининг оғирлигидан кўпгина оту туя ва улов ҳаракатдан қолиб, ичи қора ва бедил аскарлардан баъзилари совуқ еб чарчашларини баҳона қилиб, хон узангисидан қочиб хорлик ва бадномлик водийси сари кетдилар. Лашкардан яна кўпчилик эса оту уловлари йўқлигидан ожиз қолиб, ҳамроҳликдан узрли сабабдан қолиб кетдилар. Уларга озиқ-овқат ва зарур бўлган нарсаларни бериб, қўр-кут ва сардорлар тайинлаб, яна йўлни давом этдилар.

Тоғлар ичидан, дарё бўйлаб Туз конига олиб борадиган йўлдан юриб саҳрога чиқиб, конга бир фарсах қолган жойда қўш уриб, хон лашкарни кўрук ва санашдан ўтказишни буюрди. Хос амирлар ва сипоҳнинг жами озган ва ҳолдан тойган отлари билан беш юзу элик нафарни ташкил қилди. Бу манзилда баъзи давлатхоҳлар арзга етказдиларки: «Ўратепа қалъасига, Маҳмудхўжа ҳузурига бориб, унинг мадади билан Хўжандни олиб, душманмиз билан уруш қилишимиз мақсадга мувофиқ кўринади, чунки бунча кам сипоҳ билан душман билан урушиш машаққат ва мушкул ишдир». Олимхон бунинг жавобида деди: «агарчи бу сўзлар ихлос ва садоқатдан айтилган бўлса ҳам, ҳаммият ва ору номус ҳали сарой мулозимлари сафидан жой олмаган, балки душманмиз мулозимларидан бўлган кишидан мадад сўрашга йўл бермайди». У гўёки мана бу фард мазмунига амал қилди:

Хасро гардан ниҳам бе эътибори оварад,
Мурдан авлотар, ки дар бе эътибори зистан.
[Душманга бўйин эгсам, эътиборсиз бўламан,
Эътиборсизликда яшашдан ўлган яхшироқ].

Ҳиммат арбоблари номлари абадий бўлиши, яхшилик билан ном қолдириб, яшашни хоҳлайдилар. Худо кўрсатмасин агарда бирор-бир шармандалик уларга тегса ўлимни яшашдан авло, деб биладилар. Сизлардан ким эсон-омон қолишни истаса, ўйламасдан ба жарликдан чиқиб кетсин, мен сизлардан розиман. Мулку миллат, нусрат ва давлату ҳукумат учун ўзларингизни қанчалар ҳалокат ва хатарга солиб, ҳаққи намак ва валинеъматингизни риоя қилгансиз. Бу машаққатли сафарда ҳам сизлардан ҳар бирингиз шижоату мардликда яхши ном қолдирдингиз, мен сизларни бошқа ушлай олмайман. Қочиб кетиб, шарманда бўлишдан фойда йўқ, чунки қаерда бўлса ҳам кун битган бўлса ўлим эгасини топади. Ажал ва ўлим ҳақдир, ундан ҳазар қилиш ва қўрқиш ярамайди. Мен сизлардан рози бўлганимдан сизлар ҳам мендан рози бўлинглар. Орангизда ўн икки йил ҳукмронлик қилдим. Имконга яраша ҳол-аҳволларингиздан хабардор бўлиб, иззатингизни сақладим. Бироқ мен ҳам бир ожиз бандаман, ўзимни беайб ва маъсум деб билмайман», деб сўзини яқунланганида беихтиёр хоннинг кўзларидан ёш чиқиб, юзларига оқиб тушди. Сипоҳ ва амирлар ҳам йиғлашга тушиб, «фақир эдик давлатингиздан бой бўлдик, хор эдик, марҳаматингиздан азиз бўлдик. Бошқаларга ўхшаб биз хумоюн узангисидан қочиб, кўфрони неъматни раво кўрмадик, ҳаётимиз

⁷⁹⁸ Бодом чашма – Оҳангарон водийсида, Тошканд йўлидаги қишлоқ номи.

борича давлат ва миллат душманлари билан жанг қиламиз. Биз қулларингиздан шариф хотирингизни жамъ тутинг, қаерга борсангиз соядек қадамингиз остидан жилмаймиз». Байт:

Ё бо мурод бар сари гардун ниҳам пой,
 Ё мардвор дар раҳи ҳиммат диҳам сар.
 [Ё мақсадим сари чарх устига қўйсам қадам,
 Ёки ҳиммат майдонида мардлик билан бераман жон].

Шундан кейин лашкариянинг отлари озиб тойгани ва буткул хароб ва ярамас ҳолатга келмаслиги учун, уруш куни яна керак бўлишини инобатага олиб ҳар куни озгина йўл юриб, уловларни боқишга қарор қилинди. Шундай қилиб секин-аста ва шошмасдан ҳаракат қилиб Сирдарёдаги Окжар кечувига беш кун деганда етиб келиб, дарёдан ўтдилар. Ўшал жойда дору-с-салтанат раъиятидан бўлмиш бир неча нафар савдогарни учрашиб, улардан вазиятни сўраганларида улар арзга етказдиларки, «фитна ва исёнчилар, мулк ва давлат душманларининг қинғир ишларидан салтанат пойтахти аҳолиси ва Фарғона мулки раъияти бошларига бениҳоят ғам ва қайғу тушган. Фарғона халқи сиздан тўғри ва аниқ хабарлари йўқ. Агарда зоти хужаста сифат валинеъматимиздан огоҳлик топсалар бу мулк халқи қайтадан тирилиб, янгитдан хуружга келиб, бу тўлин ой дору-с-салтанат бўлмиш Хўқанд осмонида пайдо бўлиши билан, барча аҳоли, улуғлари билан фасодчилар ва ғалаёнчиларга ҳужум қилиб мадад бериш учун саъй ва ҳаракат қилишлари мумкин. Бироқ исёнчи амирлар сизга қарши тўрт атрофда катта қўшинни жойлаштириб, сизни кутиб туришган».

Бу хабарни эшитиб шул савдогарларни инъом ва сийловлардан баҳраманд қилиб рухсат бердилар. Хон ўз яқинлари билан душманга билдирмасдан пойтахтга кириб бориб, аҳоли ёрдами билан душманга қарши жанг қилишга қарор қилдилар. Улар кечаси йўл юриб, кундуз куни шомгача бирор жойда яшириниб, учинчи куни бир тепалик орқасида жойлашганларида, тақдирнинг ўйини, бахтга қарши тасодифан бир неча душман ўша тепаликка чиқиб унинг орқасида сипоҳни кўриб, тез отлари жиловини орқага буриб, қочдилар. Шу заҳоти уларнинг орқаларидан бир неча *баҳодир*лар от қўйиб қувганларида уч нафарининг отига ўқ тегиб, отдан йиқилдилар. Уларни асирга олдилар. Қолганлари қочиб кетишди. Чарчаган ва озган отлар билан уларни қувиш қийин бўлди. Ўша учта бандини Олимхон ҳузурига олиб келдилар. Тергов ва таҳқиқлардан кейин маълум бўлдики, булар исёнчи Ирисқулибек лашкаридан эканлар. Булар сардорлари амрига мувофиқ лочин, қирғий ва овчи итлар билан овга чиққан эканлар. Уларнинг лашкаргоҳлари Олимхон қароргоҳининг ўнг кўлида, уч фарсах нарида жойлашган экан. Олимхон бундан хабардор бўлгач, агар қочганлар душман лашкарига хабар берсалар улар пойтахт йўлини тўсишларини, уруш воқеъ бўлиб қолса бу камсонли сипоҳ ва озгин отлар билан оғир ва машаққатли вазиятга тушиш мумкинлигини фаҳмлади. Хон сипоҳи билан дору-с-салтанат сари равона бўлди.

Олимхон сипоҳидан қутулиб қочиб кетган исёнчилар лашкаргоҳига етиб келиб, бўлган можаро суратини фитнагар Ирисқулибекка айтиб бердилар. Ул бедиянат ва неъматга куфр келтирган ўз лашкарини иккига бўлиб, бирини олди ва иккинчисини ўзи билан олиб юриш қилди. Ҳозир Ҳамичбий (*Қамичбий?*) номи билан машҳур бўлган Шаҳмастбек қишлоғи яқинида, исёнчи қўшиндан икки минг нафари етиб келиб, Олимхон қўшини йўлини тўсдилар. Бу ҳолатни Олимхон кўриб, суҳандонлик билан шўҳрат қозонган Абдуллоҳ *додхоҳ*ни ғалаёнчиларга панд ва насиҳат бериш учун юборди. Фармони олий амрига мувофиқ Абдуллоҳ *додхоҳ* уларнинг орасига хиром айлаб, фасоҳат таржимон тили билан ваъзини бошлаб, исёнчиларни ёмон ахлоқ ва ёмон амал, бевафолик, ҳаққни унутмаслик ва куфрони неъматдан тўхтатиб, оқибатларидан уларни огоҳ қилмоқчи бўлди.

Уларга бу хонадон вакилларида олдин ва ҳозир қанча яхшилик етганини айтиб, тўғри йўл ва имонга даъват этди, фойда бермади «Кимни Аллоҳ адаштириб қўйса, унинг учун бирон ҳидоят қилгувчи бўлмас. (Алоҳ) ундайларни ўз туғёнларида адашиб-улоқиб юрган ҳолларида тарк қилур»⁷⁹⁹.

Амри маъруф ва наҳйи мункар ўрнига бахти қаро жамодан бу насиҳатчини милтиқ билан отиб ташламоқчи эдилар. Абдуллоҳ *додхоҳ* бу ҳаракатлардан хабар топиб, Олимхон ҳузурига қайтиб келди. Шижоатни касб этган хон сипоҳини жангга ва ному номусларини кўриқламоққа тарғиб ва ташвиқ қилди. Баланд овозда такбир айтиб, шу оғир кунда у билан бирга бўлган вафодор ва диёнатли сипоҳи билан жанг маъракасига юзланди. Икки тарафдан ҳам жанг олови баланд ёди. Икки соатдан кейин Олимхон сипоҳининг ҳужуми, оташ сочувчи тўфанг ўқлари ва қилич зарбидан ул фитна солувчи қавм хорлик тупроғига тубан йиқилиб, бир қисми қочиб кетди. Диёнат ва инсоф ёрлардан ҳам бир юзу етмиш киши шаҳодат даражасига мушарраф бўлди. Олимхон қолган сипоҳини қувишдан тўхтатиб, аста-секин дору-с-салтанат тарафига ҳаракат қила бошлади.

⁷⁹⁹ Қуръони карим, 7:186.

Олимхон ҳали бир фарсах йўл юрмасдан бадбахт Ирисқули икки мингдан ортиқ отлик лашкари билан келиб, ўз валинеъматини билан урушиш учун мусобақага киришди. Хон ҳукмига биноан сипоҳ отлардан тушиб, учта сафда ростланиб аҳли фитна ҳамласига қарши турдилар ва тўфанглардан тўхтовсиз ўқ отиб, баъзиларни ерга тикиб қўйдилар. Бахти қайтганлар фавжи бирор ишни қойиллатиб бажармаганларидан, ўз аскарлари қошига қайтдилар. Исёнчилар сардорлари сипоҳларини бир неча гуруҳга бўлдилар ва тўрт тарафдан ҳужумга ўтдилар. Вафо ўрмонининг шерлари, сидқ ва сафо гуруҳининг аъзолари имкон борича муҳофаа ва муҳорабага кўшиш қилиб, исёнчилар ва бадбахтлардан катта қисмини ўлдирдилар, қолганларини ҳам йўқ қилишга ҳаракат қилардилар. Зафар ғайб пардасидан дину давлат валийларига қарийиб чехрасини кўрсатмоқчи эди, бироқ азалий тақдир бошқача экан, шунча шижоат ва жасорат фойда бермади. Қазодан бир ўқ Қамбар деган бир қипчоқнинг милтиғидан отилиб хони олижанобнинг кинасиз кўкракига тегди. У ёнбошлаб ерга йиқилиб тушиб, жонини жон бергувчига берди. Раҳматуллоҳ *парвоначи* мазлум хонни ердан кўтариб, қучоғига босди. Олимхоннинг аксар сипоҳилари мақтул ва мажруҳ бўлиб, юз нафардан кам қолдилар. Улар хон атрофини ўраб олиб, исёнчилар бошлиғига «биздан бир тан тирик қолса ҳам хонни сизларга бермайди», деб қатъий айтдилар. «Агарда хон жасадини сўрамасаларинг биз жангни тўхтатамиз, ўликни олиб бориб аждодлари қабристонида дафн этамиз. Шундан сўнг замона хони нимани буюрса фармонига итоат қиламиз», деб айтдилар. Иккала тараф ҳам жангни тўхтатдилар. Вафо аҳлидан икки нафар ва золимлардан ўнг киши бу воқеани Хўқанд дору-с-салтанатига етказиш учун равона бўлдилар. Тез фурсатда бу мотам хабари Умархон ва итлар қулоғига етиб борди. Катта ва кичик ичидан дод-фарёд овози фалакка кўтарилди. Уламо ва акобир, ёшу қаридан катта бир гуруҳ амири кабир ва хони беназир жанозасини истиқболи учун Хўқанд шаҳридан ташқарига чиқдилар. Олимхон жасадини бир зарнигор аравага ортиб, улуғ аждодлари кўмилган мазорига олиб келиб, жаноза намозини адо этиб, кўмдилар. Амири мазкур шаҳодати муносабати билан ўша давр фозиллари марсия ва таърихлар битиб, дурлар сайқал бериб, шеърлар ёзганлар. Улар жумласидан бир таърих билан кифоят қилинди. Таърих:

Ҳотифе гуфт соли машҳади ў,
«Шаҳри Хўқанд» рўйи меҳр надид⁸⁰⁰.
[Бир хотиф унинг шаҳодат йилини,
«Шаҳри Хўқанд» меҳр юзини кўрмади, деб айтди].

Ҳиммат, шижоат ва саховатда, лашкар тарбиясида бурунги хонлардан сабоқ бериш гўйини ютиб олган эди. Унинг ҳукумати даврида янги қоида ва қонунлар, янги тартиб ва одатлар жорий қилинди. Жумладан у тўп қўйувчи, милтиқсоз ва борут (порох) ишлаб чиқарувчи усталарни олиб келиб, йигирма минг янги сипоҳни ёв-яроғ ва милтиқ билан қуролаб, тонгдан кечгача ўзининг эҳсон дастурхонидан уларга ҳақ берарди. Бундан ташқари эски сипоҳдан ўттиз минг аскар совуқ қурол ва ёв-яроғ билан унинг хизматида эдилар. Ҳарбий юришлар пайти ва зарурат тушганда юз минг лашкарни жамлаши мумкин эди. Баъзан гавҳар сочувчи тилидан шундай сўзлар томардики, «бу кичик мамлакат, яъни Фарғона, Бухоро ва Хоразм бир нечта хонни сиғдира олмайди. Бу вилоятларнинг хонлари ва амирлари ораларидан бир нафарни улуғлик ва раҳбарликка танлаб, иттифоқ билан ҳукумат тузишлари лозим». Бу фикр ва мулоҳазалардан тўла мактубларни ёзиб у қўшни хонлар ва умароларга юбориб, уларни иттифоқ ва бирлашишга даъват қилар эди. Хоразм хони бу таклифларни қабул қилиб, Бухоро амиридан ҳали жавоб келмасдан, умри бу мақсадларини рўёбга чиқариш учун унга вафо қилмади. Олимхон яна ҳалол касб билан ризқи рўзи тополмай ожиз қолган етимлар, нобинолар, қария ва боқувчисиз қолганларга егулик, кийим-кечакларини хазинадан, хонлик ошхонасидан тайинлаган эди. Соғ-саломат гадо ва тилончиларни бу ишларидан манъ этиб, ҳалол ишлашга буюрди. Фирибгар ва ёлғончи (сохта) саййид ва сўфийларнинг юриш-туришлари ва умргузаронлиги шариат қоидалари ва миллатнинг удумларига тўғри келмагани боис иззат ва икромли уламо ҳамда ҳурматли фақиҳларнинг фатволари орқали манъ этди. У айтар эди: «Иззат ва мартаба талаб қилган киши, осойишталик ва айш-ишрат (ҳаловат) истаса, ҳукумат ва салтанат пиллапоясига қадам қўймасин. Ул икки нарса бу икки нарса билан келишмайди». Яна дерди: «Ким меҳнат ва машаққат ўрнига озодликни ихтиёр қилса, узлат ва хилват бурчагига борсин». Дерди: «Ҳиммат арбоблари ранж ва азобнинг юкини тортишлари лозим, хатар ва балолардан андиша қилиш керак эмас». Дердики: «Хон ва султонлар аҳволларидан хабарсиз бўлган кишилар, тасаввур қиладиларки, барча ноз-неъмат ва лаззатли нарсалар улар учун доим тайёр, улар ҳамини роҳат ва хурсандчиликда вақтларини ўтказадилар. Бу хом ҳаёлдир. Барча одамлар кундалик ризқ-рўзиларини ўйлаб юрсалар-да, аммо улар олам халқи ғамини еб юрадилар».

⁸⁰⁰ Таърих абжад ҳисоби билан 1225/1810 йили беради.

Олимхондан яхши бинолар ва жорий хайриялар кўп қолган. Жумладан Мир мадрасаси, ҳозир ҳам мавжуд бўлган Олти ариғ қасабаси. Олимхон мулкнинг муҳим ишлари ва молия вазиятидан барча жузъиёт ва куллиёти билан яхши хабардор эди. Ҳоким ва уммоллари раъиятдан бож, хирож, закот ва ушрларидан, шаръий ва урфий расму русумлардан бир фулус ёки бир дона кўп ололмасдилар. Унинг осойишта ва тинч замонида бирор-бир зўрни камзўрга зулм ва ситам қилишига йўл қўйилмасди. Мамлакатда, саҳро ва ўлкаларида, тоғу адирларида барча мусофир ва мужовир, босқинчи, йўлтўсар, ерли ва ажнаби ўғрилардан ҳимояланган ва кўриқланган бўлди. Ҳиммат ва шижоат, саховат, адолат ва сиёсатда ҳеч қандай камчилиги бўлмаган. Зоти шарифи яхши фазилатлар билан безалган, мақтовга арзигулик хислатларнинг манбаи эди. Ҳукумати муддати ўн икки йилу уч ойу ўн етти кун бўлиб, 38 йил умр кўрган. Ундан тожу тахтни зеб берувчи учта ўғил қолган эди. Биринчиси Шаҳрухбек, иккинчиси *Атолиқбек* деб аталган Иброҳимбек ва учинчиси Муродбек. Бир қиз ҳам ёдгор қолган⁸⁰¹. Шоҳрухбек падари бузрукворининг фожиали воқеасидан сўнг андак фурсат ўтмасдан исёнчи амирлар саъй ва ҳаракатлари билан ўн саккиз ёшида шахидлик иззатига етди. Ундан ҳам учта фаррух сийратли ўғил: Ҳайдарбек, Саримсоқбек ва Каттабек ҳамда бир қиз қолган эди. Уларнинг зикри, Худо хоҳласа ўз маҳаллида ёзилажак.

УМАРХОН ИБН НАРБОТУР ЛАҚАБЛИ АБДУЛҚАЮМХОН САЛТАНАТИ НАВБАТИНИНГ ЗИКРИ

1225/1810 йили Умархон жаҳонбонийлик тахти ва хонлик маснадига қадам қўйиб, адл ва адолатпарварликка қиём қилди⁸⁰². Атрофдаги хонлар унинг қутлови учун ҳузурига мактуб ва элчиларни дўстлик ва бирлик учун юборардилар.

Ҳукумат ва давлат Умархонга қарор топиши билан, Фарғонанинг кўчманчиларидан қипчоқия қабиласиким, бу мамлакатнинг исёнчи ва бузғунчилари бўлиб, фитна ва фасод, талон-тарожлик ва харобаликка сабаб эдилар, Олимхон даврида эски қабих ҳаракатлари ва қитмирлик одатларини қилишга журъат ва жасорат қилолмай, энди уни шахидлик даражасига етказиб, ҳадиксираб ва андишада эдиларки, агарда сипоҳи жаид амирлари лашкари билан дору-с-салтанатга етиб келсалар, Умархон билан бирлашганда, Умархон куч ва истиклол топиб, мулк ва лашкария ишларини батамом бизларнинг бошқарув ва итоат қўлимиздан олади ва биздан интиқом олиши мумкин. Шу фикр ва ҳаёлда ҳийла ва тадбир йўлини қидириб, сипоҳи жаидани тарқатиб, исён ва ғалаёнда улар билан бирга ва ёр бўлмаган сардор ва амирларини Умархонга яқинлаштирмасликка қарор қилдилар. Бир сўз ва бир дил бўлиб улар Умархон ҳузурига келиб арз қилдиларки, Олимхон бурунги хонларнинг қоида ва қонунларига барҳам бериб, янги низом, тартиб ва қоидаларни жорий қилиб, янги сипоҳ тузган эди. Самимий хизматкорлари ва қадимий давлатхоҳлари ундан хафа ва кўнгиллари синиб, қилмишига яраша кўрмоқчи бўлганини кўрди. Энди Олимхон қолдирилган барча расму русум, буткул бекор қилиниши лозим, токи бу давлатнинг хизматкорлари ва давлатхоҳлари валинеъматлари неъмати шукрини бажо келтириб, мулку миллат, давлату ҳукумат манфаатини кўриқлаш ва зарарини дафъ қилмоқ учун ўз жонларини аямасинлар.

Умархон бу сўзлар замирида ғурур ва хиёнат борлигини билар эди. Бироқ, ҳали унда фурсат, кудрат ва тарафдорлари йўқ эди. Улар Умархонни мажбурлаб қуйидаги мазмунда фармон олдиларки, қайси бир шаҳар ва музофотда лашкари жаид бўлса, улар хон хизматидан озод қилинади, қурол ва ёв-яроғларини шул вилоят кўрхонасига топшириб қайси томонга хоҳласалар кетишлари мумкин. Бу ҳукм чолок чопар ва хабарчилар орқали Фарғонанинг барча ҳудуд ва тобиотларига тарқатилиб, сипоҳи жаиднинг амир ва сардорларига ҳам етиб борди. Улар эсанкириб, ҳайратга тушдиларки, қандай қилиб хони ҳумоюн бу фармонга имзо қўйибди. Ночор ва ноилож ҳарбий қурол ва аслаҳаларини турган музофот хазинасига топшириб, кўпчилик ўз ватанларига қайтдилар. Олимхон ўз ҳукумати даврида бир неча йиллар заҳмат чекиб, кўп сарфу харажатлар қилиб вилоятнинг атрофу жониби, Афғонистон, Бадахшон, Кўҳистон ва бошқа жойлардан йигирма минг *баҳодир*ни йиғиб, тарбият қилиб, қуроллантириб, душманга қарши курашиш, ўқ отиш маҳоратларини ошириб қўйган эди. Андак замонда шундай қўшин тарқалиб паришон бўлди. Келажакда шундай сипоҳни йиғмоқчи бўлсалар ҳам, кўп вақт ва катта харажат керак бўлиб қоларди. Сипоҳи жаидадан баъзи амир ва сардорлари *Зухур девонбеги*, *Раҳматуллоҳ парвоначи*, *Абду Қадим додхоҳ*, *Маҳмуд додхоҳ*лар хон

⁸⁰¹ Аслида учта қиз қолган: Ойимхон, Улуғхон ва Офтобхон. Улуғхон Мадалихонга эрга теккан, бироқ болалари бўлмаган. Офтобхон Саййидхонхўжа Аҳрорийга эрга теккан ва уларни Ҳомидхонхўжа, Хўжабекхўжа ва Қамархонхўжа исмли ўғиллари бўлган.

⁸⁰² Умархон 1200 йил 19-чи муҳаррам/1785 йил 22 ноябрьда оламга келган.

марҳаматига умид боғлаб, озгина хос қўшинлари билан салтанат пойтахтига келиб хон кўриниши шарафига мушарраф бўлдилар. Осойиш ва амният топиб улар шаҳардаги вазиятни билиб олдилар. Бу фармон ва ҳукм хоннинг ирода ва хоҳиши билан эмас, балким исён ва ғалаён арбобларининг макру ҳийлалари билан содир бўлганидан хабар топдилар.

Улар яширин ва махфий тарзда тарқалиб кетган қўшинни жамлашга тушдилар. Икки минг киши уларнинг байроғлари соясида йиғилди. Дору-с-салтанат бўлмиш Хўқанд шахрининг улуғлари ва уламолари билан, аҳли исён ва бузғунчиларнинг амир ва бошлиқларини ўртадан кўтариб, ҳукумат ихтиёрини Умархон иқтидори ва истиқлоли кўлига бериш, шахид Олимхон қотилларидан ўч олиб, мамлакат юзини душманларнинг нопок ўлаксаларидан тозалаш учун зимдан иттифоқ туздилар.

Бузғунчи ва фитначиларнинг амирларидан Ирискули, Жумъабой қайтоқий, Муминбек ва бошқалар ҳам фурсат пойлаб, Умархон ва унинг кундан кунга кўпайиб бораётган давлатхоҳларини ўлдириб, Ҳожибек авлодларидан бирор гўдакни салтанат тахтига қўйдириб, унинг ёшлигидан фойдаланиб, давлат ва амирлик ишларини бузғунчилар ўз кўлларидан сақламоқчи эдилар. Раҳмонқулибек бу режадан норози бўлиб, уларга қарши чиқиб Умархон ва унинг давлатхоҳларига бу асрорни махфий тарзда билгизди.

Умархон тарфдорлари салом ва кўруниш вақтида олий саройга кийимлари остидан зирих кийиб, қуролланган ва тайёр ҳолда келадиган бўлишди. Бир куни саройга келиб, улар тасодифан исёнчи амирлардан Ирискули, Жумъабой қайтоқий ва Муминбекни андак сипоҳилари билан кўриб, ўз тарафдорларига ишорат қилдиларки, бундай қулай пайт бошқа муяссар бўлмайди ва фурсат ғаниматдир, бундай мавридни қўлдан бериш керак эмас. Бузғунчилар ҳам буни пайқаб, бир баҳона билан бу ўлим жарлигидан чиқиб қутулмоққа ҳаракат қилдилар. Вафо ўрмонининг арслонлари кўққисдан уларга хужум қилиб, Раҳмонқулибекдан ташқари ул бевафо ва куфрони неъмат қилганлардан бирор кишини тирик қолдирмай, ўлдирдилар. Тезюрар чопарлар юбориб, мамлакатнинг қаерида исёнчиларнинг тарафдорлари бўлса, топиб бандга олиб, олий саройга келтириш учун фармон бердилар. Хўқанд дору-с-салтанатининг турли жой ва маҳалларидан кўп бузғунчилар тутиб олиб келинди. Олимхонга ўқ тегиб шахид бўлган урушда қатнашганларни бошқалар ибрати учун бошларини кесдилар. Бу гуруҳ ичидан Олимхонни фирдавс маконни милтиғи ўқи билан шахид қилган Қанбар қипчоқ ҳам топилди ва у оғир азоб-уқубатлар билан ўлдирилиб, жасадини ерга, йиртқичларга ем учун ташлаб юбордилар. Рубоъи:

Мабош эмину ғофил з-интиқоми қазо,
Ту ҳар чи неку баде мекуни жазо дорад.
Сарат бурид ба хокат фиканд, хунат рехт,
Ҳанўз ҳаққи намак бо ту корхо дорад.
[Қазою қадарнинг интиқомидан ғофил бўлма,
Нима яхшилиқ ва ёмонлик қилсанг жазоси бор.
Бошинг кесиб ерга ташлаб, қонинг тўксалар ҳам,
Туз ҳаққини сенга ҳали ҳам иши бор].

Ифритга ўхшаган бу жамоадан кўпчилик ўзларининг ёмон амалларига яраша жазо олдилар.

Бу ишлардан фориғ бўлгач, амирлар, ҳокимлар, барча зодагонлар дору-с-салтанатга келиб, қурултойда Умархонни эски расму-русум ва таомил бўйича оқ қигизга ўтирғизиш, бир гўшасини улуғ уламолар, иккинчи қўлоғини умаро ва вузаро, учинчи гўшасини қавмлар бошлиқлари, тўртинчи бурчагини омманинг улуғлари олиб, тахтга кўтариб қўйдилар. Уни қутлаб ва табриклар, амир ул-муслимийн деб, атадилар. Умархоннинг иккинчи бор тахтга кўтарилиши муносабатига замона шоирлари қасида ва таърихлар ёзгандилар. Улардан бир байт билан қаноатландик:

Чу бар сарири адолат нишаст ҳазрати хон,
Дабири ақл рақам зад «Умар ба адл нишаст»⁸⁰³.
[Ҳазрати хон адолат тахтига ўтирганда,
Ақл дабири деди: «Умар адл тахтига ўтирди»].

Шоҳи *парвоначи* Марғинонийни қўшунбегилик билан тақдирлади. Ражаб *девонбеги* Тошканд *волийси* этиб тайинланди ва унга саккиз минг сипоҳ бериб, Туркистон ва Дашти қипчоқ музофотларини, ул атрофдаги кўчманчи тоифалари билан итоатга киргизиш учун буйруқ берди. У ердаги тоифалардан баъзилари Олимхон ҳукмронлиги замонида унинг тобелигига кириб, баъзилари замона инқилоби ва Фарғонадаги ағдар-тўнтар воқеалари натижасида итоатга киритилмаган эдилар. Ражаб *девонбеги* зудлик билан бу амр ижроси учун чиқиб кетди.

⁸⁰³ Таърих моддаси 1225/1810 йилни беради.

Шу вақтларда Маҳмудхўжа *девонбеги*ким, амир Ҳайдар Бухорий тарафидан Ўратепа ва унинг музофотига ҳоким ҳоким эгим тайинланган эди, Хўқанд дору-с-салтанатига биродари Султонхўжани кўп ҳадялар ва тансуқот билан юбориб итоат ва ихлосини зоҳир қилди. Султонхўжа умаро ва вузаро воситачиликлари билан амир ал-муслимийн саройида қабул қилиниб, хусравона марҳаматлар ва чексиз ардоқлар билан баҳраманд ва мамнун бўлиб, бир неча кун пойтахтда истиқомат қилиб, кетишга руҳсат олди. Маъсумхўжа Ҳакимхўжа ўғли *шайх ул-ислом*ни маншур ва ярлиғ ҳамда Маҳмудхўжа учун берилган хос кийим билан Ўратепага Умархон номидан хутба ўқиш учун юборилди. Улар йўл ва масофаларни босиб ўтиб, Ўратепага яқин келганларида Маҳмудхўжа Оқсу мавзеигача истиқболга чиқиб, катта иззат ва ҳурмат билан шаҳарга олиб келиниб, манзилига жойлаштирди. Жума куни шу ўлканинг хатиблари хутбани Умархон номи билан зеб-зийнат бердилар. *Шайх ул-ислом* Маъсумхўжа ибн Ҳакимхўжани катта ҳурмат ва кўп ҳадялар билан пойтахтга қайтардилар.

Бу хабар амири Бухоро қулоғига етиб боргани билан, у Ўратепани қайта қўлга киргиши ва Маҳмудхўжадан ўч олиши учун катта ва саноксиз қўшин билан юриши бошлади. Маҳмудхўжа ҳам Бухоро амири юришидан огоҳ бўлиб, тезюрар бир чопарни бахтиёр амир ал-муслимийн саройи шавкат мадорига юборди. Чопар ҳам жуда тез дору-с-салтанат бўлмиш Хўқандга етиб келиб, сарой яқинларига аҳвол ва ҳолатдан ахборот берди. Хабар улар орқали хон қулоғига етиб бориб, отланиш учун лашкарига фармон берди. Аллоҳ инояти билан соати масъудда зафар насабли узангига оёқ қўйиб, Ўратепа сари Бухоро лашкари дафъи учун Умархон йўлга чиқди. Қўшин манзил ва масофалар босиб келиб, Қизили қишлоғини чодир ва ўтовлари шу сарзаминнинг рангли ва гулистонига айлантди. Ўратепа ҳокими Маҳмудхўжа сипоҳининг улуғлари ва раъиятнинг ашрофлари билан олий боргоҳга келиб, мулоқот шарафига мушарраф бўлди. Эртаси бу ердан ҳам силжиб Чақир работини лашкароҳга айлантди. Бу ерда жосуслар хабар бердиларки, Бухоро амири ўз лашкари билан Зомин қалъасидан чиқиб, Бухорога қайтди. Бу хабарни тафтиш ва таҳқиқи қилиш учун бир гуруҳ сипоҳни сардори билан юбордилар. Уларнинг кетидан лашкар ҳам сафларини ростлаб, маймана қанотига Абулқосимбек *оталиқ*⁸⁰⁴, майсара қанотига Саййидқули *бекларбеги*⁸⁰⁵ни тайинланиб, лашкарнинг қалби эса амир ал-муслимийн вужуди билан зийнат топиб, катта жамоат бўлиб равона бўлишди.

Лашкарнинг етакчиси Зомин қалъасига етганда у ерда Бухоро лашкаридан қолдирилган баъзе лаш-луш ва ташландиқлардан бошқа бирор-бир тирик жон йўқ эди. Буни амир ал-муслимийнга билгиздилар. Амирлардан баъзилари буни ҳарбий бир хийла деб билиб лашкардан учта катта фавжни ажратиб Саййидқули *бекларбеги*, Абулқосим *оталиқ* ва Ўратепа ҳокими Маҳмудхўжа тахти фармонликларида юбордилар. Улар икки манзилгача олдинга юриб бухорийлардан бирор-бир нишон ҳам топмай, қайтдилар. Аҳволни маълум қилдилар. Амир ал-муслимийн шу маконда лашкарга дам бериб, Ўратепа сари юрди. Бу ернинг ҳокими Маҳмудхўжа икки кун амир ал-муслимийн ва лашкар аҳлига яхши зиёфатлар бериб, ёқимли хизматлар кўрсатди. Маҳмудхўжа ва Ўратепа улуғларига хусравона марҳаматлар тегиб, улар иззатли мансаблар билан тақдирландилар. Умархон бу ердан туриб илтифот ва кўним лутфи соясини Хўжанд аҳолиси бошига ёйди, бу ноҳия уламолари ва улуғларини шоҳона меҳрибончиликлари билан хурсанд ва шодмон қилиб, бир кун бу ерда кўним топиб эртаси кўчиш нағорасини чалиб, дору-с-салтанат сари юзланди. Манзил ва масофаларни босиб, фирузлик ва нусрат билан ўз давлатхонасига кириб ором топди.

Шу вақтда хони олийшон фармойиши билан мухтарам муъин уд-дин ал-ислом, халифайи расули аном, аъло ҳазрат султон Маҳмудхон жаннатмакон номига фасоҳат рақамли муншийлар ихлос баён этувчи бир нома ёздиртириб, элчи ҳожи Мир Қурбон орқали хилофат маркази Истамбулга юборилди.

Юқорида эслатилган эдики, Ражаб *қўшунбеги* ҳумоюн хон ҳукми билан Тошканд ҳукуматига номзод бўлиб, Дашти қипчоқ ва Туркистонга бориб, бу ўлкадаги кўчманчи итоатсиз тоифалар ва қабилаларни босиб олиб, забт ва итоатга киргиши лозим эди. У бу музофотга келиб, бир қанча қалъа ва ноҳияларни босиб олиб, аксар кўчманчи тоифаларни итоат ва тобелик доирасига киритилди.

Босқинчилик ва қонтўқишлар билан шуҳрат топган баъзи кўчманчи жамоалар қилган жиноят ва қилмишларининг жазоси яқинлигидан қочиб, қўрқувдан Чотқол тоғлари орасига бориб яширинган эдилар. Бу тоғлик жойлар ёз палласида Фарғона ва Туркистон халқининг чорвалари ва моллари учун ўтлоқ жойи ва яйловлари эди. Мана шу жойлар залил гуруҳининг қўлларига ўтиб, бу ўлкадаги аёллар

⁸⁰⁴ Атолик/Оталиқ – тахт эгаси ёки ворисининг ота ўрнидаги маслаҳатчиси, мураббийси (регент). У(лар) давлатда энг кучли бўлган қабилла бошлиқлари ёки ижтимоий табақа вакиллари билан тайинланган.

⁸⁰⁵ Бекларбеги – бекларнинг беги. Шарафли ҳарбий унвон. Амир ал-умаро унвони билан тенг бўлган.

ва чорва эгаларининг нола ва фиғонлари осмонга кўтарилган эди. Бу ноҳияларнинг баъзи ҳокимлари аризалар билан хон саройига мурожаат қилиб, аҳволни билдирганларида Абдулазим *тўпчи*⁸⁰⁶ ҳамда Чуст ва Косон ҳокими Юсуфалихўжакиим, тоғ сафари ва тўп отишда катта маҳоратлари бор эди, катта сипоҳ билан зўровонликни ўзларига касб қилган бу кўчманчи жамоасидан етаётган балони дафъ қилиш учун маъмур бўлиб, юборилди. Улар Сирдарёсидан кечиб ўтиб, Қамиш қўрғон мавзеида кўним топдилар. Лашкар амирлари машварат мажлисида шундай қарорга келдиларки, лашкар икки қисмга бўлинади. Юсуфалихўжа ҳазрати Идрис муборак мазорлари⁸⁰⁷ олдидан золимларга қарши жангга киришади. Абдулазим *додхоҳ тўпчи* эса Боғистон дарасидан ҳужумга ўтади. Шу дастурга биноан сипоҳ икки тарафдан ҳамла қилиб, тор ва танг йўллар ва баланд ақбалардан юз азоб ва машаққатлар билан гоҳ пиёда ва гоҳ сувора бўлиб ўтиб, йигирма кундан кейин иккала лашкар биргалашиб, иттифоқ билан аҳли нифоқ ва залил турган жойларига яқинлашдилар. Адашган жамоанинг раҳбари Қобили ноқобил бундан хабар топиб, тоғнинг ичидаги бир баланд чўқида жойлашган эдики, бир тор ва ўтиши қийин бўлган бир сўқмоқдан бошқа йўли йўқ эди. Шу йўл ҳам тош ва шоху шиббалар билан мустаҳкам тўсилган бўлиб, тўфангчилардан бир дастасини у ерда посбон қўйиб, яна бир дастани пистирмада яшириб қўйиб мудофаага шайланиб турардилар. Қобил эса ифлос вужуди билан ўзи шахсан мудофаа ва муҳоробани бошқарарди.

Лашкария амирлари Юсуфалихўжа ва Абдуазим *тўпчибоши* кўрдиларки, шу ҳолатда бу разилларга ҳужум қилсалар талафотдан бошқа бирор-бир нарса ҳосил бўлмайди. Жангчилар тадбир ўйлаб лашкар ичидан милтиқ отиш ва тоққа чиқишда маҳорати ва чакқон бўлган тоғликлардан бир сипоҳ танлаб олиб, Абдуқаҳҳор *тўқсоба* Бадахшига топшириб, орқа тарафдан тоққа чиқиб, шу золимлар турган жойларига йўл топиб, орқаларидан ҳамла қилинсин, деб буйруқ бердилар. Лашкар амирлари буйруғига биноан диловарлар дастаси кечкурун қўшиндан ажралиб, икки манзил йўл юриб бир мавзени танлаб, арқон ва арғамчилардан нарвон ясаб, уларнинг бошини темир михлар қоқиб мустаҳкамлаб, тоққа чиқиб душман тарафига равона бўлдилар. Бошқа тарафдан лашкар амирлари ҳам ҳар куни душман билан урушиб, уларни машғул ушлаб турдилар. Олтинчи куни Абдулқаҳҳор *тўқсоба* тоғлик дастаси билан баланд бир жойдан душман орқасига тушиб, қўққисдан уларни милтиқлардан ўққа тутди. Разиллар жамоаси ўзларини бало гирдобидида кўриб, жонларидан қўл ювиб тонгдан шомгача қаршилик кўрсатиб жанг қилдилар. Кечаси дам олиб шу тарзда уч кун жанг ва саваш бўлди. Тўртинчи куни Фарғона лашкари бу мустаҳкам жойни эгаллаб, лашкари амирлари буйруғи билан жар солдиларки, Қобил ва унинг бешта сарҳангларидан ташқари ким ўзининг жанг қуроли ва аслаҳаларини ташлаб, таслим бўлса ихтиёр ўзида ва озод бўлади. Бу эълонни эшитиб золимларнинг аксарияти тиғ ва тўфангларини ташлаб, ҳар тарафга тарқалаб кетдилар. Бир гуруҳ эса Қобил билан бирга қаршиликни давом эттирдилар. Фарғона сипоҳи тўрт тарафдан ҳужумга ўтиб, икки тарафдан ҳам анча одам ҳалок ва яраланди. Мазкур Қобили бадкирдор кўп нобакорлари билан асирга тушди. Лашкар кўлига кўп мол ва фаровон бойлик уруш асбоблари билан тушди. Золим ва бадкирдор жамоа тарафидан талон-тарож қилиниб, эгаланган Фарғона ва Туркистон раъиятига тегишли бўлган молу ҳол ва чорва олиниб, бир гуруҳни шу чорваларга қараш учун қолдирилиб, лашкар дору-с-салтанат томонига обрў ва нусрат билан мурожаат қилиб, Хўқандда хумоюн хон назарига манзур бўлиб, саодатманд бўлдилар. Ўзлари билан олиб келинган уруш асбобларини хазинага топшириб, қолган бойликни лашкар аҳлига мартаба ва мақомларига қараб бахшида этиб, Чуст ҳокимига фармон бердиларки, барча бойлик ва чорваларни ўз эгаларига етказиб, улардан молларини олганликлари ҳақида санад ва ҳужжат олиб, саройи олийнинг ҳисобчилари ва муставфийларига топширсин.

Қўлга туширилган нобакор жамоани шаръи шариф аҳкомининг ҳукмига мувофиқ Қобили ноқобил билан бирга қатлга буюриб, фитналарининг оловини сиёсат тиғининг суви билан ўчирдилар.

Шу ишлардан фориғ бўлгач хон олий ҳимматини мамлакат ободончилигига сарфлаб муҳандис шиорли хизматкорларига буюриб, Ўзганд дарёсидан Марғинон саҳросининг ўртаси ва Андижонгача анҳор қаздириб сув чиқаришларини буюрди. Бир нача йил давомида кўпчилик бу хайрли иш бажариши учун саъй ва ҳаракат қилиб Аллоҳ инояти билан уни охирга етказдилар. Шу анҳорнинг кенг жойида бир қишлоққа асос солиб, унга Шаҳрихон деб ном бердилар. Алҳол бу қишлоқ маъмур ва машҳур турибди.

Шу йили баҳор мавсумида, Яратгувчининг санъатидан ер юзи сабза ва шукуфалар билан рангин ва зеб-зийнат топган вақт, дарахтлар ўз қоматларини ростлаб, зумрадли япроқлардан хилъат кийиб ораста бўлган пайтда, ҳар бир барг вожиб ул-вужуд санъатига гувоҳлик бериб, ғунча

⁸⁰⁶ Тўпчи (боши) – артиллерия бошлиғи. Қалъалар ва истехкомлар ҳолатини ҳам у назорат қилган.

⁸⁰⁷ Ҳазрати Идрис мазори – Чуст атрофида жойлашган мазор.

куттчаси оғзидан аҳли хуш қулоғига «Айт (эй Мухаммад) уларни дастлаб пайдо қилган зотнинг Ўзи қайта тирилтирур»⁸⁰⁸ овозини биринчи марта очиб айтилганида, амир ал-муслимийн фаровон лашкар билан Тошканд ва Туркистон тарафига азм қилиб, бахтли бир соатда Тошканд билоди аҳолисини ўз вужуди билан масрур ва масъуд қилди. Амир ал-муслимийн келишидан олдин Дашти қипчоқ ва Туркистондан келган Ражаб *қўшунбеги* интизорлик билан хонни кутиб турарди. Тошкандда дийдор кўришга мушарраф бўлиб, амри олий билан яна дашти қипчоқ ва Туркистон манзилу қалъаларини тасхир этиш учун чиқиб кетди. Хушвақт *додхоҳ* ҳам бир фавж сипоҳ билан унга ёрдам бериш учун тайинланди. Улар кундузлари дам орлиб, кечалари йўлга чиқардилар. Саккизинчи куни файз осор ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий мозори⁸⁰⁹ жойлашган ва бутун Туркистон қалъалари ва истехкомлари ичида энг метин ва мустаҳкам бўлган қалъага етиб келдилар. Уни тўрт тарафдан ўраб олиб, девор ва буржларига нарвонлар қўйиб қалъани олишга киришдилар. Сипоҳнинг бир фавжи қалъага кириб дарвозабонларини тиг дамидан ўтказдилар ва қалъани очиб, нусрат асар лашкарни шаҳар ичига олиб кирдилар. Қалъа ҳокими Тўқай тўра *қозоқлар* лашкари ва шу ерда жойлашган бухоролик сипоҳилари билан, саросималик ва изтиробдан ётган жойларидан туриб, мудофаа ишини ташлаб, Сузоқ қалъаси томон қочиб кетдилар. Шу маконда яшириниб олдилар. Ражаб *қўшунбеги* бу табаррук шаҳарнинг аҳолисига амният бериб, итоатга даъват қилиди. Баъзи аъён ва ашрофларини эса шавкат паноҳ саройга юбориб, бу муқаддас шаҳарга шайх Бадалхўжа *додхоҳ*ни ҳоким этиб тайинлаб, ўзи Сузоқ қалъасига кетди. Туркистон уламоларидан бирини панд ва насихат учун Тўқай тўра хузурига, қалъага юбориб, унга хабар бердики, агар қалъани жанг ва жадолсиз топшириб, *қўшунбеги* хузурига келиб, итоат қилса унинг ва тобеларининг жони ва молига омонлик берилади, балки ҳамма нарса олдингидай қолар. Мазкур элчи қанча ҳаракат қилмасин фойда бермади. Ундан кейин *қўшунбеги* қалъа дарвозасига яқинлашгани билан катта бир қўшин Бухородан Тўқайтўра мадади учун келди ва унинг билагини кучайиб, мазкур элчини мулозим ҳамроҳлари билан бирга қатл қилди. Фитна ва бузғунчиликка қўл уриб, яна кўпроқ жаҳолат майдонида қаршилик отини югуртирарди. Ражаб *қўшунбеги* бу фард мазмунига амал қилишини тушинди:

Маразеро ки доғ лозим аст,
Чун марҳам ниҳи надорад суд.
[Куйдириши лозим бўлган ярага,
Малҳам кўйсанг фойда бермайди]

ва зудлик билан лашкарга жанг ва савашни буюриб, бир гуруҳга чўп, тош ва тупроқдан қалъага қарата қарши бир нечта тепалик кўтаришга амр қилди. Андак фурсатда бу амр бажо келтирилиб, бу тепаликлар устига мансур сипоҳнинг *тўпчилари* тўпларни ўрнатиб, отишни бошладилар. Қалъа ичидаги уйлардан оташ фаввораси осмонга кўтарилиб, Бозорбой *баходир* беш юз нафари билан қалъага чиқиб, унинг шимолий дарвозасини мунтазир бўлиб турган Хушвақт *додхоҳ* сипоҳига очди. Фарғона лашкаридан бир неча фавж қалъага бостириб кириб, кўчманчи *қозоқия* лашкари ва бухороликларга ҳужум қилдилар. Икки тарафдан ҳам кўп одам ҳалок бўлди, нобакорларнинг ишлари чипакка чиқди. Кечги қоронғиликдан фойдаланиб, (Тўқай тўра) озгина тарафдорлари билан Самарқанд тарафига қочиб кетди. Барча молу мулки, хонадони ва фарзандлари, яқинлари асир тушдилар. Қалъада бўлган ҳамма молу ашё лашкар томонидан ўзлаштирилди. Шу ерда кўчманчи тоифа ва қабилаларнинг бошлиқлари барча атроф ва ноҳиялардан, Ражаб *қўшунбеги* хузурига ҳадя ва тансуқотлар билан келиб, итоат ва таслим бўлишларини изҳор этдилар. *Қўшунбеги* уларни меҳрибонлик билан сийлаб, заррин хилъатлар бахшида этиб, аҳли илмдан бир неча кишини уларга қўшиб, кўчманчилар болаларига таълим бериб, ислом шиорини улар орасида кенг тарқатиш учун юборди. Шу ердан Дашти қипчоқ ва Туркистоннинг ичкарасига лашкар тортиб, яна кўп қавм ва қабилаларни итоат ва тобеликка киргизиб, Тошкандга қайтди.

Шу орада амир ал-муслимийн замири мунирида султон ул-орифийн Хожа Аҳмад Яссавий табаррук мозорини зиёрат қилиш пайдо бўлиб, шу тарафга азим бўлди. Сайрам⁸¹⁰ даги улуғларнинг мунаввар мақбаралари ва ҳазрати султон Хожа Аҳмад Яссавий мозорини зиёрат қилиб, шу шариф мавзедаги мустаҳиклар ва дарвешларга кўп назру ниёз бериб, қайтиш байроғини дору-с-салтанат томон кўтарди. Манзил ва масофаларни босиб ўтиб ўзининг шариф тахтида қўним топди.

Шу вақт ва замонда Абулхайрхон авлодидан бўлмиш Одилтўраким, Хитой ва Рус худудларида ўзининг кўчманчи қабилалари билан яшаб юрарди, ўғлини олий тахт эгаси хузурига юбориб, шу ислом худудида яшаши учун жой таъминлаб беришни илтимос қилди, токим бу йил амири ислом

⁸⁰⁸ Қуръони карим, 36:79.

⁸⁰⁹ Хожа Аҳмад Яссавий мозори – XIV–XV асрларда барпо этилган мақбара.

⁸¹⁰ Сайрам – Қозоғистоннинг жанубидаги қадимий Исфижоб шаҳри.

хазинасига барча девоний марсумот (солиқлар)ни йилма йил, муноқишасиз ва кечикмасдан адо этсин. Унинг илтимоси қабул маҳалига тушди ва унинг фарзанди шоҳона марҳамати билан тақдирланиб шодмон қайтди.

Яна Муҳаммадраҳимхон Хоразмийдан шоҳона ҳадя ва тухфалар ҳамда меҳр билан тўла мактуб билан, иттифоқ ва иттиҳодни таклиф этган ҳолда, Туркистон ва Дашти қипчоқ музофотларининг фатҳи билан табриклар, шавкат паноҳи бўлмиш саройга элчи келди. Бир неча кун Хўқандда қолиб, иззат-икром ва меҳмондорчиликдан кейин, кетишга рухсат олиб, Абдулхолик қоровулбеги⁸¹¹ни шоҳона тухфалар ва армуғонлар билан унга қўшиб, меҳрибонлик мактуб бериб (Хоразмга) юбордилар.

Айни шу вақтларда Ўратепа ҳокими Маҳмудхўжа амир ал-муминийн ижозатисиз Бухоро амири гумашталари кўлида бўлган Пешоғар қалъасини босиб олди. Бироз вақт ўтмасдан қалъани яна рухсатсиз бухороликларга қайтариб берди. Маҳмудхўжанинг беписанд ҳаракатларидан хабардор бўлиб, хоннинг муборак хотирига малоллик келди. Фарғона давлатининг амирларидан Ражаб қўшунбеги ва Абулқосим *оталиқ*, Маҳмудхўжага нисбатан замирларида гина ва кудурат, интиқом олиш нияти бўлганидан, фурсатни ғанимат деб билиб, амир ал-муслимийн муборак мизожини Маҳмудхўжага нисбатан ўзгартириб, амалидан туширмақчи бўлдилар. Хулосат ул-калом улар яхши бир хат билан хон арзига етказдиларки, Маҳмудхўжанинг кўкраги ойинаси Фарғона давлатига нисбатан тоза эмас ва хотираси лавҳида муҳолифат нақшасини чизган. Агар уни бу вилоят ва музофотнинг ҳокимлигидан олинмаса, бу ҳудудда бузғунчиликнинг келиб чиқиш хавфи бор, зеро адоват буғи ва кибру ғурур унинг димоғини шундай фасод билан тўлдирганки, ўзини мустақил деб билиб, жузъий, куллий, ички ва ташқи ишларида ўз ҳолича амал қилаётир. Унинг қайсарлиги ҳаддан ошиб кетган. Амирларнинг сўзлари ва ёзишмалари адолат манзили бўлган амир ал-муслимийннинг юрагига таъсир қилиб, ақл ва тадбир асҳоблари сўзларининг мазмунига қараб: «Бадхулқ мабош, бадгумон бош; аз офати халқ дар амон бош» (Ёмонхулқли бўлма, бадгумон бўлгин; Шунда халқ офатидан омон қоласан), деганларидек, ул ҳудуд ҳукуматидан Маҳмудхўжани олиш фикри амири кабир кўнглида пайдо бўлди. Фасоҳат тилмочли тилидан шундай сўзлар томдики, Маҳмудхўжа жуда хушёр, замона тажрибасидан баҳраманд бўлган, ишбилармон эрди. Сипоҳ ва раъият, музофот ва чегаралардаги одамларнинг меҳру муҳаббатини қозонган. Айниқса, у чегаралар муҳофазати ва забтидаги чора ва тадбирлардан хабардор. Сизларнинг сўзларингизга кириб бу музофот ҳукуматини кимга берсакки, бу мансаб ва хизматларни маҳбубият ва мақбулият билан бажариб, бу улкан таклиф ва мушкулотни ўз зиммасига олиб, шунча масъулиятларни жавобини берса? Ва мени шу жиҳатлардан қаноат ҳосил бўлса? Ражаб қўшунбеги ва Абулқосим *оталиқ* шу чегаранинг муҳофазати ва ҳукуматини барча шартлари билан қабул қилдилар.

Шу вақтда Хўқанд дору-с-салтанатига кетма-кет хабар келдики, амир Ҳайдар Бухорий тарафидан Муҳаммадраҳимбек *оталиқ* ибн Худоёрбек йузким, Ўратепа улуғзодаларидан бўлиб, ишбилармон ва мўътабар бир киши эди, катта лашкар ва асбобу қуроллар билан Зом, Урметан⁸¹² ва Пешоғар ҳукуматини бериб Ўратепа ва унинг музофотини босиб олиш учун жўнатибди. Агарда Ўратепани барча тобе жойлари билан фарғоналиклар кўлидан қайтариб олса, бу музофот ҳам Муҳаммадраҳимбек *оталиқ*қа берилишини ваъда берган экан.

Ражаб қўшунбеги, Абулқосим *оталиқ* ва Шоҳи *парвоначилар*ни сипоҳ билан ораста қилиб, ул ходиса дафъи учун буюриб, ўн кундан кейин эса амир ал-муслимийн зафар келтирувчи катта лашкар билан ўзи Ўратепа томонига жунбишга келди. Манзилларни кезиб ўтиб, марҳамат ва висол соясини Хўжанд аҳолисининг бошига ёйди. Бу кишвардан нусрат туғини Зомин томонга юқори кўтариб бу ноҳияга етиб келгач зафаранжомли байроқларни қадаб, хайма ва ўтовларни ўрнатдилар. Шу ерда маълум бўлдики, Муҳаммадраҳим *оталиқ* фируз асар лашкар келишидан хабар топиб, ўз лашкари билан чекинишга мажбур бўлибди. Бинобарин, юриш жилловини Урметан томонига буриб, Қизилсойдан ўтиб Урметанга келиб қўним топдилар. Шу маконда Шаҳрисабз *волийси*, *кенагас* тоифасининг энг сара улуғларидан бўлмиш Ниёзалибекким, саксон ёшни қаршилаган доно киши эди, қўлни ўпиш давлатига муяссар бўлмоқ учун ва Ургут билан Моғиён⁸¹³нинг ҳокими, *минг* қавмининг сардорларидан бири Каттабек мулоқот бахтига умид қилиб олий остонага келишларининг хабари келди. Ҳумоюн хон фармойишига биноан баъзи амирлар уларнинг истиқболига чиқиб лашкаргоҳга олиб келдилар. Учунчи куни шавкат паноҳли саройда уларни қабул қилиб, учрашув шарафига мушарраф этиб, марҳамат ва илтифотлардан баҳраманд қилдилар. Улар ўзлари билан олиб келинган

⁸¹¹ Қоровулбеги – қоровуллар, соқчиларнинг бошлиғи.

⁸¹² Урметан – Зарфшон водийсининг юқори қисмида, Самарқанддан 150 км. масофада жойлашган қишлоқ.

⁸¹³ Моғиён – ҳозир Тожикистоннинг Панжакент ноҳиясидаги қишлоқ жамоаси маркази.

ҳадя ва тансуқотларни топшириб, қабулидан масрур ва мамнун бўлишди. Бир неча кун ҳумоюн лашкаргоҳида истиқомат қилиб, Шаҳрисабз *волийси оталиқ* мансабига, Ургут ҳокими эса *девонбегилик* мансаби билан тақдирланди. Уларнинг яқинлари ҳам ўз даражаларига мувофиқ шоҳона карам ва лутфларидан баҳра олиб, вилоятларига қайтиш рухсатини олиб кетдилар. Сипоҳнинг баъзи улуғлари расму русумга мувофиқ уларни кузатиб, қайтдилар.

Шу ноҳиядан фатҳ аломатли байроқларни кўтариб, амир Хўқанд дору-с-салтанатига ҳаракат бошлади. Ўратепа музофоти иззатли ўтов ва хаймаларни ўрнатиш учун танланди. Юқорида бироз ишорати кетган Ражаб *қўшунбеги*, Абулқосим *оталиқ* ва бошқа бир амирлар илтимослари билан Маҳмудхўжа Ўратепа ҳукуматидан олиниб, бошқа хизматга ўтказишди ва Ўратепа музофоти ва худудларига Қосимбек тайинланди. Умархон лашкари билан манзилларни кезиб ўтиб, дору-с-салтанатга ташриф буюриб, арзу дод билан машғул бўла бошлади.

Шу вақтларда хоннинг олий ҳимматлилиги жўш уриб, мадраса ва масжиди Жоме қуришга қарор қилинди. Заковат унвонли меъморлар тез фурсатда бу чиройли иморатларни қуриб битказдилар. Фаровон вақфлар мударрис, ходимлар ва талабалар учун муқаррар бўлди. Ҳозир ҳам бу мадраса илм толиблари билан тўладир.

Айни шу замонда Бухоро амирининг укаси Хусайн тўра ва Исҳоқбек тўра ибн Маҳмудбек, унинг амакисининг ўғли амири Бухородан ҳадиксираб амир ал-муслимийн хизматига келиб, иззат ва икром кўрдилар.

Баён қалами билан бироз эслаган эдики, Туркистон ва Сўзоқ⁸¹⁴ қалъаларини фатҳи вақтида Тўқай тўра, кўчманчи қозоқлар тоифасининг сардори ғалаба келтирувчи лашкардан қочиб Самарқанд балдасига келиб, ҳазрати Бухоро амири ҳимоя соясига кирган эди. Бухоро амири Ҳайдардан у катта мол ва аскар олиб, кучайиб Туркистон келиб яна талон-тарож ва босқинчиликка қўл урди. Дашти қипчоқдаги баъзи кўчманчи қабилалар улар билан бирлашиб, исён ва ғалаён кўтара бошладилар. Бу хабар амир ал-муслимийн қулоғига етиб бориб, зудлик билан Саййидқули *парвоначини* катта сипоҳ билан уларнинг дафъи учун юбориб, Тошканд *волийси* унга ёрдам бериш учун буюрди.

Шу вақтда Муҳаммадраҳимбек *оталиқ* ибн Худоёрбек *йуз* Бухоро ва *йуз* фирқасининг сипоҳларидан иборат катта лашкар билан Пешоғар қалъасидан ўтиб, Ём қалъасига яқинлашди. Бу ердан кечаси ҳужум қилиб, Ўратепага яқинлашиб уруш ҳийласи йўли билан бир тепаликда пистирмада яшириниб ўтирди. Эртаси офтоб чиқишидан олдин бир кичик дастанни Ўратепа қалъаси қаршисига юбориб, ўзларини қалъадагиларга намойишкорона кўрсатишларини буюрди. Қалъадагилар уруш нияти билан чиқсалар, бироз жанг қилиб, пистирма томонига қочиб келишларини амр қилди. Бу даста шу йўл билан бир тепаликка чиқиб Ўратепа қалъасидагиларга ўзларини кўрсатганларида, қалъадаги сипоҳ уларни кўрганлари заҳоти қалъадан ташқарига хиром айлаб жанга киришди. Бироз уруш ва савашдан кейин, қочишга юз ўгирдилар. Қалъа сипоҳи эҳтиёткорлик ва сиполикни қўлдан бериб, уларни таъқиб қилишга ўтдилар. Ўратепа ҳокими Қосимбек ва баъзи бир амирлар бундай чекинишни ҳарбий ҳийла эканини билиб, қанча ўринмасин сипоҳни тўхтата олмадилар. Шу ҳангома билан лашкарнинг муқаддимаси Муҳаммадраҳимбек *оталиқ* *йуз* ўтирган пистирмага яқинлашганлари билан у Бухоро ва *йузия* лашкари билан, биқтирмадан чиқиб уруш оловини баланд ёқди. Ўратепа қалъасидаги сипоҳ тартибсизлик ва тарқоқ ҳолда келаётганларидан қаттиқ уруш натижасида улар мағлуб бўлишиб, тарқалиб кетдилар. Ўратепа ҳокими Қосимбек сипоҳи тормор бўлиб, Хурсанд *додхоҳ*, Идрисқули *додхоҳ*, Зийнатшоҳ *додхоҳ* ва Ўратепа сипоҳининг бир неча аъёнлари оғир яраланиб асирга тушдилар, кўпчилик ҳалок бўлди. Қосимбек баъзи сардорлари ва тирик қолган бошқа сипоҳилари билан бу бало гирдобидан қутулиш учун қалъага кириб яширинди. Муҳаммадраҳимбек асирларни Ём қалъасига юбориб, эртаси ўзи ҳам сипоҳини олиб қайтди.

Бу ноҳуш хабардан дору-с-салтанатдагилар хабардор бўлиб, воқеа суратини амир ал-муслимийнга билгиздилар. Умархон Қосимбекни бу худуд ҳокимлигидан олиб, Ражаб *қўшунбеги* ва Абулқосим *оталиқ*ни ҳузурига талаб қилиб, буюрди: «Яқинда илтимосларинг билан уддабурон ва билгич киши бўлган Маҳмудхўжани ул худуд ҳукмронлигидан олиб, ўрнига Қосимбекни тайинлаган эдик. Сизлар сўз берган эдингизки, бу худудда бирор-бир воқеа содир бўладиган бўлса шахсан унинг дафъига кафил бўласизлар. Энди ваъдага мувофиқ, қўлостингизда бўлган сипоҳни олиб, шу худудга борингиз ва бу хатарли ишга якун ясангиз». Олий фармон амрига мувофиқ беҳисоб лашкар йўлга чиқиб, масофалар кезганидан сўнг мақсуд манзилига етиб, Ўратепа қалъасига кирдилар. Муҳаммадраҳимбек *оталиқ* *йуз* ўз қавмидан бўлган бир нечта мўътабар суҳандон ва айтқични

⁸¹⁴ Сўзоқ/Сузақ – Жанубий Қозоғистонда қўқонликларнинг истехкоми бўлган. Ҳозир шаҳар номи.

махфий равишда Ўратепа шаҳри ва унинг музофотларига Фарғона давлати итоатида бўлган *йузия* қавмлари ичига юбориб, улар билан яқин ва бир насабда эканини пеш қилиб, молу бойлик ва пора билан уларга пайғом (хабар) бердики, «биз *йузлар* бир оила ва бир насабдаги шажараданмиз, бироқ иттифоқсизликдан бегона қавм ва ёт кишилар тарафидан мағлуб ва оёқ-ости бўлиб турибмиз, ҳукуматни ноаҳил ва нолойиқ кишиларга бериб қўйибмиз. Агарда менинг насихатимни қабул қилсаларинг, унда барча *йузия* қавмлариким, сони саксон минг нафарга етади иттифоқ ва иттиход қилиб, ўрталаридан бир ҳоким сайлаб, қавм ва музофотни Бухоро ва Фарғона тасарруфидан озод этиб, мустақил бир ҳукумат тузишлари мумкин. Менким, *йуз* қавми улуғзодаларидан бириман, Бухоро амири билан аҳду паймон қилдимки, агарда Ўратепа ва унинг музофотини Фарғона давлати тасарруфидан қайтариб олсам, мустақил ҳоким бўламан. Бу бобда Бухоро давлати молу аскар билан менга ёрдам бериб, ҳомий ва мададкор бўлмоқда. Инчунин, Тўқай тўра, қозоқ қабилаларининг сардори, Бухоро давлатининг хазинаси ва сипоҳидан куч олиб, Туркистон ва Дашти қипчоқ худудига юборилган. Алҳол у ўша музофотда оммавий кўзғолон ва ғалаён кўтарилиб, уларга қарши ва забти учун юборилган Фарғона сипоҳининг анчасини ўзига банд ва машғул қилиб турибди. Вақтни ғанимат деб билиб, Ўратепа ва унинг музофотини қўлга киритиб, *йуз* қавмининг мустақил ҳукуматини барпо этсак. Бу фурсатдан фойдаланмасдан, қулай вақтни қўлдан берсак, қиёматгача унинг надомати ва пушаймонлик аламини тортармиз. Бу сўзлардан менинг ғаразим ҳукуматни қўлга олиш эмас. Агарда Аллоҳ инояти ва мани ҳаракатларим билан бу ўлка ва *йузия* қавмлари бегоналарга ғолиб чиқиб, ҳокимиятга эга бўлсалар, ораларидан кимни хоҳласар ўз хоҳиш ва ихтиёрлари билан ҳоким қилишлари мумкин. Мен ҳам сизлардан бирилариингиз бўламан. Ҳузуримдаги вакиллар ва яқинларингиздан бир гуруҳи ҳам сизларнинг хизматингизда бўладилар. Айти пайтда бошлиқлар муҳр босилган ва имзоланган мактубларни олиб йўлга чиққанлар. Бизлар номимиздан улар нимаики айтсалар барчаси чин ва тўғридир».

Қосидлар, савдогарлар ва дарвишлар либосида *йузия* қавмларининг орасига бориб, юқоридаги мазмунда тарғиб ва ташвиқот ишларини олиб бордилар. Ҳар бир қавмнинг бошлиқларига мактуб ва поралар бериб, уларнинг кўнгиллари ваъда ва сўз беришлар билан авраб, тинчлантирдилар. *Йуз* қавмлари чопар ва элчиликлар орқасида ҳамжинслари билан машварат қилиб, бирлашиб олдилар. Охир ул-амр *йуз* фирқасининг аксарияти ўз ҳамзодлари сари мадад ва ёрдам кўрсатиш учун, Фарғона ҳокимлари ва давлатидан воз кечиб, Маҳаммадраҳимбек *оталиқ* ва унинг сардорларига юзландилар. Муҳаммадраҳимбек *оталиқ*нинг вакиллари ва сардорларига иноқлик ва имдод муждасини бериб, мақсадлари ҳосил бўлган тарзда қайтариб юбордилар. *Йуз* қавмидан Фарғона лашкари таркибида бўлганларга ҳам хабарчилар жўнатиб, *йузлар*нинг иттифоқ тузганларидан хабар бериб, уларни ҳам бошқаларга қўшилиш ва бирлашишга даъват этдилар. Буларни ҳам томирларида қон-қариндошлик ва ҳамжинслик ҳисси уйғониб, ҳаракатга келди фитна ва бузғунчиликка барча *йузлар* билан бирлашиб, жавоб ёздиларки, қачон *йуз* лашкари Ўратепа қалъасига мурожаат қилсалар, ўша заҳоти биз ҳам мувофиқат ва ёри беришимизни ошқоро амалга оширамиз.

Муҳаммадраҳимбек *йуз* қавмининг қарор ва аҳволларидан хабар топганида, қавидил бўлиб, Бухоро ва *йуз* лашкари билан шошилинич Ўратепа қалъасига келдилар. Қалъадагилардан мунтазир ва маътал бўлган *йуз* қавмига мансуб бўлганлар дарров қалъа дарвозаларни улар учун очдилар. *Йуз* лашкари қалъани босиб олди. Ражаб *қўшунбеги* ва Фарғона лашкари ичкаридаги қалъа, ҳоким ўтирадиган ва қалъайи Муғ⁸¹⁵ номи билан машҳур бўлган ҳисордан чиқиб, уруш ва ўлдиришни бошладилар. Фарғона сипоҳи сафида бўлган *йузлар* Ражаб *қўшунбегидан* ажралиб, *йуз* лашкарига қўшилдилар ва улар тарафидан жангга киришиб, мадад беришга тушдилар.

Шаҳарнинг ичидаги катта йўлда ҳам оғир жанглар воқе бўлиб, Муҳаммадраҳимбек *оталиққа* *йуз* қавмидан пайдарпайлик билан мадад келиб турди. Икки тарафдан ҳам кўп киши талаф ва ҳалок бўлди, Оқибат Фарғона сипоҳининг иши оғир бўлиб Муғ қалъасига кириб, яшириндилар. Бухоро ва *йузия* лашкари қалъани гир-айлана ўраб олиб, қалъа қамали ва уни олиш ишида бир нафас ҳам сусткашлик қилмай ҳаракат қилардилар. Ражаб *қўшунбеги* ва Фарғона сипоҳи ҳам қалъа мудофаасида кўп жидду жаҳд ва саъй қилиб, душман ҳужумларини ҳар дафъа милтиқ ва тўпларнинг ўқлари зарби билан қайтарардилар.

Шу аҳволда бир неча кун ўтди. Амир ал-муслимийн фармойиши билан Хўқанд дору-с-салтанатидан Мирзо Абдураҳим *парвоначи*, Ражаб *қўшунбеги* ва бошқаларни қутқариш учун катта бир гуруҳдан иборат сипоҳ билан юборилди. У Ўратепага етиб келиши билан жанглар олиб бориб,

⁸¹⁵ Муғ қалъаси Ўратепа музофотининг ҳокимларининг ўзлари учун дор ал-ҳукуматга айлантирган қалъадир. Бир баланд тепалиқда жойлашган. Муғ сўзи муғул сўзидан олинганга ўхшайди. Муғуллар даврига оид биноларга тегишли бўлиши мумкин. Қадим китобларда Ўратепани Истравшан, деб атаганлар. Ҳозир бу номдан фойдаланмайдилар. Бинбарин бу қоралама варроқларнинг муаллифи ҳам уни эски номи билан тилга олди.

қалъадаги Фарғона лашкари билан бирлашди. Қалъа ичида бирор-бир нарсдан захира ва посира йўқлигидан салтанат пойтахти тарафига қайтдилар. Муҳаммадраҳимбек *оталиқ* Ўротепа музофотини истило қилиб, молу бойликдан ҳадя ва тухфалар тартиб бериб, Бухоро амирига бир элчи билан башоратнома юборди. Элчи ул жаноб ҳузурига етиб келиб, кўп навозишлар билан тақдирланиб, Муҳаммадраҳимбек *оталиқ* учун берилган қимматбаҳо хилъат, мурассаъ қилич, узоққа ўқ отадидаган кўпгина тўп ва тўфанларни Бухоро улуғларидан бирига бериб, элчи билан юборди.

Юқорида зикр қилинган эдики, *қозоқ* сардорларидан бўлмиш Тўқай тўра амири Бухоро қўллаб-қувватланиши билан Туркистон ва Дашти қипчоқ ҳудудларига дохил бўлиб, кўчманчи тоифаларидан бир жамоаси унга қўшилишиб, Фарғона давлатига қарши исён кўтардилар.

Бу нобакорлар разиллигини йўқ қилиш учун Тошканд ҳокими Саййидқули *парвоначи* тайин этилиб, *йуз* қавмининг ғалаёнидан олдин Эрназар *девонбеги*, Муҳаммадқули *парвоначи*, Юсуфалихўжа *садр*, Тўрахон *мир асад*⁸¹⁶, Мақсуд *тўпчи* катта сипоҳ билан Саййидқули *парвоначига* ёрдам ва мадад бериш учун дору-с-салтанат бўлмиш Хўқанддан чиқиб, тез орада Саййидқули *парвоначи* билан қўшилишиб, Тўқай тўра ва кўчманчи гуруҳлари жангига киришиб, аксариятини ўлдириб, кўпларини асирга олдилар. Тўқайтўра кам сонли тарафдорлари билан бу муҳлик жойдан қочиш водийсига юзланди. Зафарпаноҳ лашкардан бир фавжи уларнинг таъқибига бориб, гардини ҳам топмадилар. Фарғона давлатига қарши ғалаён кўтариб, Тўқайтўранинг фитна ва бузғунчилигига шерик бўлган бадвия аҳоли қилмишларига яраша жазо олдилар. Фарғона амирлари Туркистон ва Дашти қипчоқнинг энга чеккасигача бориб, кўчманчи қабила ва тоифаларни итоат силсиласига тортдилар. Энг муҳим жойларда метин қалъалар бино қилиб, бу ноҳиялар забти учун ҳокимлар ва сипоҳ қолдириб, қайтиш парчамини Хўқанд дору-с-салтанати томонга кўтариб, амир ал-муслимийн мулоқотига комёб бўлдилар. Ҳар бир амир ўз мартаба ва ҳолатига мувофиқ шоҳона марҳаматлар билан хуррам ва шодмон бўлди.

Дашти қипчоқ ва Туркистоннинг муҳим ишлари амир ал-мусулмонон (!) давлатининг авлиё ва умаролари орқали саранжом топганида хоннинг олий ҳиммати сипоҳнинг тарбияти ва таъминотига сарф бўлди. *Йуз* қавмига жазо ва танбеҳ бермоқ учун улкан кўшин билан Ўратепа ва Диззах томонига юриш бошлади. Фатҳ аломати бўлган байроқларнинг ҳилоли манзил ва марҳалалар кезиб, Ўратепа музофотининг бир буржидан тулуъ қилганида. шу маконда маълум бўлдики, Муҳаммадраҳимбек *оталиқ* *йуз* қалъанинг барча бурж ва деворларини мустаҳкам қилиб, кўр-қут ва ем-хашак билан тўлдирибди. Бухоро амирининг навбатдаги ёрдами билан яна кучайиб, *йузларнинг* кўчишлари жуда осон бўлган баъзи фирқасини қалъалар ичида жойлаштириб, аксар қавмларни эса молу амволи билан Масчо тоғларида жойлаштириб, яширибди. Хон фарзанди аржуманди Муҳаммадалибекни, Эрназар *девонбеги*, Саййидқули *оталиқ*, Юсуфбой *мингбоши*, Муҳаммадқули *парвоначи*, Абдуазимбой *парвоначи*, Юсуфалихўжа *судур*⁸¹⁷, Маҳмудхўжа *нақиб*⁸¹⁸, Мақсуд *додхоҳ тўпчи* ва баъзи сипоҳ бошлиқларини тошдек кучли лашкар билан Ўратепа қалъасини тасхир этиш учун қолдириб, нусрат фаржомли байроғини Зомин ва Диззах тарафига кўтарди. Зомин ноҳияси шавкат паноҳ хайма ва чодирлар ўрнатиш жойига айлангач, уч кун лашкарга дам берилди ва тўртинчи куни, эрталаб лашкар фавжларининг сафларини тартибга келтириб, яхши бир кўринишда ораста қилиб, қалъа олиш ишига саъй ва ҳаракат қилдилар. Шаҳрихон ҳокими Маҳмудхўжа *жилав қўшунбеги*⁸¹⁹, Нав қалъасининг ҳокими Довул *додхоҳларга* милтиқ ўқи тегиб шаҳид бўлдилар. Сипоҳи мансурдан кўп киши қамал вақтида ҳалок бўлди. Оқибат Аллоҳнинг кенг инояти ва шоҳ иқболининг кучи билан метин ва мустаҳкам қалъа қўлга киритилди. Қалъа аҳлининг аксарияти бедариф тиф дамидан ўтказилди, фақат болалар ва аёлларга омонлик берилди. Зомин қалъасининг ишини саранжом қилиб, Диззах қалъасига бордилар ва уни ўровга олиб, қалъада яширинганларнинг жонларини машаққат ва бало тобасида қовураддилар.

Шаҳзода Муҳаммадалибекни бир гуруҳ сардорлари билан Ўратепа қалъасининг фатҳи билан машғул бўлишганлари юқорида бир шамма баён қилинган эди. Улар қалъани олиш ишларида саъй ва

⁸¹⁶ Мир асад – миршаблар (полиция) бошлиғи.

⁸¹⁷ Судур – аслида садри судур, барча садрларнинг бошлиғи. Садрлар вақф мулкларига мутасадди амалдор. Шулар устидан судур назорат қилган. Саййид ва хўжалардан тайинланар эди.

⁸¹⁸ Нақиб – саййидлар ва хожаларга бериладиган фахрий унвон. Нақиблар ўзларини Муҳаммад пайғамбарнинг авлодларидан деб ҳисоблайдиган саййидлар жамоалари раҳбарларининг лавозими. Ҳукмрон доиралар нақиблар орқали саййидлар жамоалари билан муомала қилганлар. Нақиблик лавозими авлоддан-авлодга ўтган. Нақиблар хоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан бўлиб, сафарларда унга ҳамроҳ бўлган. Расмий қабул маросимларда нақиб хоннинг сўл томонида биринчи ўринда ўтирган.

⁸¹⁹ Жилав қўшунбеги – Қўшунбегийи жилав – жилав (сафар ва юришлардаги) хоннинг қўшунбегиси, ҳарбий кўшиннинг бошлиғи, кўмондони.

ҳаракатлар қилиб, мардлик ва жасурликни намоён қилардилар. Бир куни Муҳаммадраҳимбек қалъа дарвозасини очиб, кўп йуз лашкари билан ташқарига чиқиб, катта жамоаси билан селдек оқиб, катта байроқ остида бошқа сардорлари билан турган Муҳаммадалибекка хужум қилди. Байроғи остида шахзоданинг сипоҳи кўп эмас эди, бовужуд ҳеч изтиробга тушмасдан ундан қаршилик ва жангда шижоат ва мардоналик зоҳир бўлди. Йуз лашкари шахзода лашкаридан анча зайиф бўлса ҳам, шахзода мағлуб бўлишига бир баҳия қолди. Аммо ҳазрати илоҳий муродбахшлигидан қалъа ҳужуми билан машғул бўлган сипоҳ зудлик билан шахзода мададига келдилар. Уруш ва саваш бозори шундай исиб кетдики, катта ва кичик, ёшу қарининг жон матолари бир нархда сотиладиган бўлди. Охир ул-амр ғалаба ва зафар насими хужаста ахтар шахзода лашкари томон эсиб, *йузия* ва Муҳаммадраҳимбек *оталиқ* сипоҳи қочишни ихтиёр қилдилар. Нусрат асар аскарлар қалъа дарвозасигача уларни қувиб бориб, кўп одамларни ҳалокат тупроғига ташладилар. Қалъа ичидан тўфангчилардан катта бир гуруҳи чиқиб, Муҳаммадраҳимбек ва *йуз* сипоҳини қутқардилар. Бир кундан кейин бирор-бир тирик жонзод қалъа ичидан ҳатто бошини ташқарига чиқармади, девор орқасидан жанг ва ўқ отиш билан машғул бўла қолдилар. Икки тарафдан фақат тўп ва тўфангнинг ўқлари борди-келди қиларди, холос. Шу вақтда Фарғона лашкари орасидаги отларга ўлат келди ва ҳар куни юзлаб оту улов ўлиб, мурдалари дафн қилинар эди. Аксар лашкар пиёда қолиб, тагин ёмғирни селдек ёғишидан Фарғона сипоҳи лойда ботиб қолиб, юришлари қийинлашди, либос ва қурол-аслаҳалари нам ва лойдан оғир бир юкка айланди. Хонзода Муҳаммадалибек ва улуғ амирлар амир ал-муслимийн ҳузурига одам юбориб, аҳволни маълум қилдилар. Ул жаноб Диззах қалъасининг қамали билан машғул бўлган пайтда хонзода ва амирларнинг аризалари мутолаа шарафига етиб, улуғ амирлар ва вазирлар билан пайваста машварат қилиб, маслаҳат сўради. Аксар бир фикрга келиб айтдиларки, ёмғир мавсумида лашкар бошига машаққат ва оғир меҳнат тушди, қиш фасли ҳам яқинлашмоқда. Ёмғир ва қор янада кўпаяди. Бухоро ва *йузия* сипоҳи турли керакли нарсалардан қалъада шунча захира ва кўр-қут қолдирганки, қамал шунча чўзгани билан уларда бирор-бир зарар ва камчилик кўринмайди. Қалъанинг ўрови ва қамалини ҳамда исёнчи ва ғалаёнчиларни жазо бериш ишларини орқага, бошқа сафарга қолдириш давлат осойишталигидандир. Давлат арконларининг машварат ва маслаҳатлари қабул мавқеига тушиб, «душман бизнинг қайтишимизни зайифлик, сипоҳимиз камлиги ва кўр-қут етишмовчилигидан, деб билмаслиги учун», *тўпчиларга* қалъа ичини тўпга тутишни буюрди. Ҳумоюн хон амрига мувофиқ, қуёш чиқишидан то ботгунга қадар тўплардан чакмоқдек ўқ отиб, қалъа ичини оташ билан тўлдирдилар. Қалъа ичидаги уйлардан оловнинг фавворалари ва тутун кўк гумбазгача отилиб чиқди, кўп уйлар хароб бўлди.

Эртаси тонгда қайтиш нағорасини чалиб салтанат пойтахти томон ҳаракат қилдилар. ...он мавзеи хони замон кўним топишидан гулистонга ўхшаб кетганида хонзода Муҳаммадалибек соқ-саломат сипоҳ амирлари билан келиб, падари бузрукворининг фэйзосор дийдори саодатига эришди. Бу ердан тажаммул ва ҳашамат билан пойтахт сари юриб, андак фурсатда давлат тепасига қарор ва ором топиб, қимматбаҳо вақтини мусулмонлар адлу инсофи, марҳамату амниятига сарф қила бошлади.

Бундан илгари хожи Мир Қурбонким, элчилик тариқасида малаклар посбони бўлган халифалик пойтахти Ислонбулга борган эди, замона халифаси, барча мусулмонларнинг ҳомийси Султон Маҳмуд⁸²⁰ баҳодурхондан Фарғона амир ал-муслимийни номига султоннинг шоҳона лутфи ва навозишларини олиб келди. Мазкур элчи мақсадига эришиб, масрур ҳолда қайтаётиб Хоразм вилоятини кезиб ўтаётганда Хивақ хонининг адолатли ҳузури билан мушарраф ва манзур бўлиб, унинг бир элчиси билан салтанат мадорли саройи олийга келиб, тахтни ўпиш шарафига етди. Хоразм элчиси бир неча кун дору-с-салтанат бўлмиш Хўқандда меҳмон бўлиб, хушҳол ва хуррам истиқомат қилиб хони олий ижозати билан қайтиб кетди.

Шу вақтда Шаҳрисабз *волийси* Ниёзалибек вафот этди ва *кенагас* қавми сардорларининг иттифоқи билан унинг ўғли Дониёл ҳукумати тепасига қарор топди.

Қуёш Жавзо буржигига ўтиши билан амир ал-муслимийн давлат арконлари ва ҳукумат аъёнларини чақириб, Ўратепа ва Диззах сафари ва юриши ҳақида машварат қилди. Улар бир сўз билан арз қилдиларки, алҳол фурсатни ғанимат деб билиб, тезлик билан қичаб, ҳаракатга тушиш лозим. Зеро *йуз* тоифалари ва ул музофотнинг аҳолиси ўтган йили посира қилган ғаллани қиш давомида сарфлаб тамом қилганлар. Экилган донлари эса ҳали ўраш маҳаллига келмаган, баъзи экин ва зироатлари эса ҳали экилмаган. Шу вазиятда уларга қарши лашкар тортсак, ўраш ва экишга имконлари бўлмайди, кўр-қутлари бўлмаганидан аҳволари танг бўлиб, ночор қоладилар. Боз устига

⁸²⁰ Султон Маҳмуд – турк султони (1808–1839).

ҳозир қор кўплигидан тоғ йўллари ҳам кўчманчиларнинг молу чорваларини ҳайдаб келиш учун жуда ноқулайдир. Ажаб эмас, шу вақтда уларнинг моллари ва чорваларини ҳам эгаллаб олсак.

Дарбори олий улуғларининг фикрлари хоннинг муборак таъб ва мизожига мувофиқ тушиб, ҳукми олий содир бўлдики, Эрназар *девонбеги*, Исобек, *парвоначи*, Шоҳи *парвоначи*, Қурбон *додхоҳ* ва Муҳаммадшариф *додхоҳ* ўз таҳти фармонларида бўлган зафар анжомли сипоҳ билан, улуғ лашкар ҳаракатидан олдин, яширин Ўратепа ва Диззах музофотларига бориб, Фарғона давлатига ёғий (душман) бўлган *йуз* кўчманчи қавмларинининг ҳаётларини барбод бериб, уларнинг молу амволи ва бойликларини ўлжа олиш учун қиём қилсинлар. Ҳумоюн хон олий фармойишига биноан мазкур сардорлар кечалари шошилинич йўл кезиб, кундуз кунлари ором ётиб, масофаларни босиб ўтгач мақсад чегарасига етиб келиб, кўкқисдан уларга шабохун (тундаги ҳужум) қилиб, улардан кўп кишини қийратиб, асир олганда қолган сипоҳ қочиб атрофга тарқалиб кетди. Фарғона лашкарлари кўлига жуд кўп молу ашё ғанимат тушди. Улар солим ва ғаниматлар билан Хўжандга келиб, улуғ лашкар келишига мунтазир бўлиб турдилар.

Қуёш Савр ойининг ўнинчи даражаси (30 апрел) да эдики, амир ал-муслмимийн улуғ лашкари билан Хўқанд дору-с-салтанатидан Ўратепа ва Диззахни тасхир қилиш ниятида юриш бошлади. Манзил ва масофаларни кезиб келиб Хўжандга дохил бўлди. Номлари зикр қилинган амирлар бу шаҳарнинг аркон ва аёнлари билан бирга истиқболга чиқиб, кўчманчи *йуз* қавмларидан ғанимат олинган молу ашёларни кимиё асар хон назаридан ўтказиб, лашкария ошхонаси ходимларига топширдилар. Зафар келтирувчи байроқни бу ўлкадан кўтариб, сахро ва даштларни кезиб ўтиб Оқтепа ноҳиясида қўндилар. Бу манзилда Қўш тегирмон қалъасининг ҳокими Маҳмудхўжа олий бисотни ўпишга мушарраф бўлиб, Тошканд ҳокими Бекларбеги номи билан танилган Ғуломшоҳ *қўшунбеги*, Хўжанд *волийси* Шоҳий *парвоначи*, Шоҳрухия⁸²¹ ва Қурама ҳокими Муҳаммадшариф *додхоҳ*, Нав қалъасининг ҳокими Арслонбек, Қўш тегирмон ҳокими Маҳмудхўжа катта лашкар билан Ўратепани ўрови ва қамали, босиб олишига қўмондонликка тайин бўлдилар. Ҳожи Мақсуд *тўпчи* ўн иккита тўп ва *тўпчилари* билан уларга қўшилиб юборилди. Хоннинг ўзи нусрат нишонли лажомини Диззах қалъасининг фатҳи томон буриб, Хайробод мавзеига кетди ва у ердан чиқиб, Диззах қалъасидан бир фарсах узоклигида жойлашган Чаҳорбоғи девона деган жойга келиб, фируз асар лашкари учун қароргоҳ қилди. Сипоҳга уч кун ором бериб, тўртинчи куни қалъа олиш ва ҳисорларни ўраш ишлари билан машғул бўлди. Шу вақт Авлиё *ясовулбоши* Шаҳрисбаз ҳукмдори Дониёл *парвоначи* номидан олий узанги қошига элчи бўлиб келди ва гилам ўпиш шарафига муяссар бўлиб, ўзи билан олиб келинган мактубни олий даргоҳ муқарриблари орқали ҳумоюн хонга мутолаа учун берди.

(Дониёлбек) ёзилган эди: «Мулкларнинг ҳақиқий Эгаси азалий қисмат билан жаҳон бурчагидан бир кичик мулкни бизнинг улуғларимиз ва ўтган аждодларимизга иноят этган экан ва у мерос тариқасида улардан бу ризожўй бандага тегиб, қаноатмандлик билан одамнинг қудрати етгунча илоҳий ва чексиз неъматларини шукру саносига, кундан кунга ошиб бораётган шаҳриёрлик давлатининг тараққийсига машғул бўлиб, зиммамга вожиб бўлиб тушган халқнинг амнияти ва яшаш даражасини кўтариш учун алоқадри имкон саъй қилаётирман. Адолатни ёйувчи хотири мунирларидан яширин қолмаским, бизнинг қавмларимиз ва аждодларимизга Бухоро ҳукуматдорларининг *мангития* амирларидан қандай зулм ва жафолар етган. Охирги топқир ҳам бу музофотнинг шаҳарлари ва аҳолиси улар *нойиб*лари етказган мусибатлари натижасида поймол бўлди. Хоразм хонларига нисбатан ҳам бундай зулм ва ситамни кўп раво кўрганлар. Хулоса шулким, уларнинг кўксиларидаги ойиналари кўшни хонлар ва ҳукуматдорларига нисбатан тиниқ ва пок эмас. Кина ва адоват зангидан у шу даражада тийра ва кир бўлганки, давру замонлар ўтгач мураса ва мадуро билан ҳам уни ювиб тозалаб бўлмайди.

Сўзнинг индолоси шулким, ўтган йили Бухоро ҳукмрони амир Ҳайдар Муҳаммадраҳимбек *оталиқ йуз*, *қозоқия* кўчманчи қавмларининг сардори Тўқай тўраларга *йузларни* хазина ва лашкаридан мадад бериб, Фарғона давлати тобе ерларидан бўлмиш Ўратепа, Дашти қипчоқ ва Туркистонга юбориб, кўчманчи қабилалардан бўлмиш *йузия* ва *қозоқия* тоифалар ўртасига фитна ва бузғунчилик уруғини сепиб, Фарғона ҳукуматида қарши қўзғалди. Унинг оқибатлари боқий ва кўринарлидир. Алҳамдилллоҳ шукрлар бўлсинким, садоқатни расм қилган дўстлар ва давлатхоҳлар бошига захир ал-миллат ва ад-дин амир ал-муслимийннинг кучли давлат ва қудратли

⁸²¹ Шоҳрухия – Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги шаҳар. Эски Чиноз ўрнида амир Темурнинг ўғли Шоҳрух (ваф. 1447) шарафига бино этган шаҳар

салтанатининг қуёши чиқиб, ҳасадчилар ва душманлар хоҳишига қарши кундан кунга равшанроқ ва ёриқроқ бўлаётир.

Дунё аслида бир экинзорга ўхшар. Яхши ёки ёмонлик уруғини сепган, яна ўшаларни ўраб олади. Ҳозир хитой ва қипчоқ тоифалари амир Ҳайдар Бухорийга қарши муҳолифат бошлаганлар. Самарқанд *волийси* Давлат *қўшунбеги*ни асирга олиб, Бухоро ерларига тобе баъзи қалъалар ва ноҳияларни ҳам эгаллаб олганлар. Агарда хурсандчилик аломати бўлган шу фурсатда фирузий асар лашкар билан бу томонларга юриш бошласар, бу ризожуй ҳам ўз тобелари ва сипоҳи билан нусрат насабли узангу қошига кўшилишиб, Самарқандни фатҳида шойиста хизматларни кўрсатишим мумкин. Бераҳм золимлардан тортган заҳмат ва аламларимиз интиқоми ва қасдини олсак. Аллоҳ инояти ва далолати билан бутун Мовароуннаҳр амир ал-муслимийн давлати таркибига кириши эҳтимолдан холи эмас. Қитъа:

Ҳар ки аз хасм интиқом гирифт,
Назди арбоби ақл маъзур аст.
3-онки, ҳар нафас баҳри дафъи зарар,
Дар қавонини ҳазм маъмур аст.
[Ким душманидан қасос олса,
Ақл арбоблари олдида кечиримлидир.
Зарарни даф қилиш учун ҳар бир нафасни,
Эҳтиёткорлик қонунларида аниқ белгилангандир]».

Шу ҳолатда *хитой*, *қипчоқ*, *қарақалпоқ* сардорларидан Одинақулибий ва маъмурбий минг нафар эранлари билан келиб, узунги ўпиш бахтига мушарраф бўлдилар. Қўлларида асир бўлган Самарқанд *волийси* Давлат *қўшунбеги*ни баъзи яқинлари билан хон ҳузурига олиб келиб, арз қилдиларки, муродга етказадиган остонанинг бандаларимиз ва Самарқанд шаҳри сафарига зафар нишон от лажоми остида садоياتликни ҳиммат бўйинига ташлаб, хизматкорлик камарини белга боғлаб, қулчилик шартларини бажариш умидида келганмиз. Шавкат қуввати билан давлат нусрати учун ўз жонларимизни қурбон қилиш учун келдик. Амир ал-муслимийн уларга лутф ва меҳрибонлик кўрсатиб, амри олийси билан муносиб манзилларда жойлаштириб, барчаларига кадр ва мартабаларига мос давлат хазинасидан кундалик маош тайинлади.

Умархон давлат арконлари ва заковат эгалари бўлмиш сардорларини хос мажлисига чақириб, Самарқанд ва Мовароуннаҳр юриши учун машварат қилди. Бу хусусда баъзилар Самарқанд азми учун қатъий бўлиб оғиз қутичаларини очиб, сир асрор жавоҳирлари ва дурларини изҳор табақига тўкиб, шундай жилвага кирдиларки, амири Бухоронинг хуфия ва ошкора ҳаракати ва қилмишларидан давлати Фарғонага нисбатан хусумати ва адовати борлиги кўп марта очик ва равшан бўлди. Энди Шаҳрисабз ҳукмдорлари, *кенагас* қавмлари, *хитой*, *қипчоқ*, *қарақалпоқ* тоифаларининг сардорлари бирлашганда, бу мавридни қўлдан бой бермасдан, «Дарди бадро давойи бад» («Ёмон дардни давоси ҳам ёмон»), деган масал мазмунига амал қилиб, давлатининг синиши ва шавкатининг сусайишига ҳаракат қилмоқ зарур. Агарда унга шундай имконият пайдо бўлса, бизга бир лаҳза ҳам омон бермас эди.

Бошқалар эса исёнчи *йузия*га жазо бериш ва қалъаларни фатҳ этишни таклиф қилиб, арз баёни билан аён қилдиларки, хонаки душманни ўз йўлимизда қолдириб бегона бир вилоятга бориш ақл ва ҳикматдан узоқдир. Зафар ва хатар, фойда ва зарар ғайб пардаси ортида пинҳондир. Мансур ва музаффар бўлсак, яхши. Бироқ бу мамлакатнинг забти ва тасхири узоққа чўзиладиган бўлса, лашкарнинг қурол-аслаҳа, озик-овқат ва ем-хашаги тамом бўлганда мана шу йўлимизда қолдириб келган душманларимиз лашкария эҳтиёжи учун Фарғонадан юбориладиган нарсаларни етказиш учун тўсиқ ва монелик қиладилар. Бу нарсаларни эса бегона юртда қўлга киритиш муяссар бўлмагай. Бу ҳолатда кучли ва қадимий душман ўртасида қолиб, лашкария аҳволи машаққат ва заҳмат билан тўлиб кетади. Хусусан шу хатарларда амир ал-муслимийн шахсан ўзи иштирок этишганда, ҳали бирор топқир синамаган дўстлар сўзига кириши ақл ва эҳтиётлик шартларига риоя қилмаслик, давлат ва миллат манфаатига тўғри келмаслиги деб, билиш лозим. Бундай баҳс ва мунозаралар кўп бўлганидан кейин, оқибат шундай қарорга келдиларки, ҳазрати валинеъмат Умархон ҳукумат ва салтанат марказида туриб, шумшук ва бузғунчи *йузия* қавмига жазо бериш учун машғул бўлиб, сипоҳни ораста қилиб, ул ўлканинг тасхири учун юбориб, эҳтиёжга яраша лашкар захираларини таъминлаб етказиш учун мадад бериб туради.

Бинобарин, Бухоро амирининг амакиваччаси Исҳоқбек *парвоначи*, Хушвақт *қўшунбеги*, Арслонбек *додхоҳ*, Ёдгорбек *додхоҳ* ва Раҳмонқули *парвоначини* ўн минг сипоҳ ва Шохписанд *додхоҳ тўпчи*бошини икки юз нафар *тўпчилари* ва ўн адад тўпи билан Самарқандни эгаллаш учун тайин қилишди. Хон *хитой-қипчоқларнинг* сардори Одинақулибий *парвоначини*, Маъмурбийни эса

додхоҳлик рутбаси билан тақдирлаб, улар билан бирга бўлган *хитой-қипчоқ* улуғларига ҳам ҳолларига яраша шоҳона марҳаматлар ва меҳрибонлик кўрсатиб, шодмон ва камёб тарзда фируз асар лашкарга қўшиб, Самарқанд сафарига равона қилди.

Йўлларни босиб ўтиб, Зрафшон дарёси лабига келганларида Шаҳрисабз ҳукмдори Дониёлбек *парвоначи* ва Ургут (Ургут) *волийси* Каттабек *парвоначи* сипоҳлари билан келиб, Фарғона амирлари билан мулоқот юз бериб, бирлашган уюшма билан Самарқанд қамали ва ўровига саъй ва ҳаракат қилдилар. Ўшал айём амир ал-муслимийн лашкарияни Самарқандга юбориб, ўзи Диззах қалъасини кўлга киритиш учун олий ҳимматини сарфлаётган бир вақтда, қалъанинг ҳоқими Абдурасул қалъа барибир зўрлик билан фатҳ бўлишини тушуниб, шаҳарнинг уламо ва саййидларини равшан замирли амир тахтига юбориб, ожизлик ва шикастини, мағлуб ва таслим бўлишини маълум қилди. Мазкур билоднинг улуғлари шафоат ва узр сўраш тили билан ҳокимнинг гуноҳ ва беадаблигини кечиришни сўраб, арз қилдиларки, Абдурасул бу зилолат ва беадабликларни амир ал-муслимийн ҳаққига адоват ва хусумат юзасидан қилгани йўқ, балки унинг зиммасида бажарилиши вожиб бўлган валинеъматни ҳуқуқини адо қилмоқ учун шунча жидду жаҳдга қадам босган. Агарда у амир ал-муслимийн хизматига камар боғласа сидқидилдан валинеъматни ҳаққи намақини бажо келтиради. Амир ал-муслимийн улуғларнинг Абдурасул борасида шафоат тилашларини қабул қилиб, у ва қалъада бўлган барчага омонлик бериб, шу шаҳарнинг уламо ва саййидларини шоҳона ва баракатли тухфалар билан тақдирлаб қайтишларига рухсат берди. Шаҳарнинг аъёнлари шаҳарга қайтишлари билан Абдурасул хонларга мос ҳадия ва тансуқотларни тартиб бериб, сипоҳ ва раият улуғлари билан шавкатмадорли саройи олийга равона бўлди. Остона упиш шарафига мушарраф бўлиб, мусулмонлар амирининг ҳадия ва инъомларига сазовор бўлди. Хон бу ҳисор бошқариш лажомини барча тобиоти билан яна Абдурасул кафти кифоятига топширди ва азимат тизгинини Ўратепани эгаллаш учун бурди. Бу мустаҳкам ва метин қалъани узук кўзидек ўраб олиб, қамал ва босимга дучор қилганларида, фатҳу зафар келинчаги яширинган чехрасини энди очаман деганида, илоҳий қисмат бошқача экан, бу мурод ҳосил бўлмади:

Агар муҳаввали жаҳониён на қазост,
Чаро мажори ҳолот бар хилофи ризост?
[Агар жаҳондагиларнинг кафили қазо бўлса,
Унда нимага вазият тақдирга мос эмас?].

Бу воқеа тафсилотлари шундан иборатки, амир ал-муслимийн табиатида ютал билан бирга безгак касаллиги пайдо бўлди ва ҳар соат оғирлашиб, бемор ҳушдан кетар эди. Фарғона табиблари ул жанобнинг касаллигини зот ул-жунб (плеврит) деб ташхис қўйиб, унинг давосига тушдилар. Амирлар ва вазирлар қўққайиб, саранг ва мот бўлиб, ишнинг салоҳиятини фақат қайтишда кўрдилар. Шу манзилдан кўчиш нағорасига уриб, Хўканд дорус-салтанатига аста равона бўлдилар. Масофа ва йўлларни босиб ўтгач, амирлик марказига етиб келиб, кўним топдилар. Амр ал-муслимийннинг шариф мизожи кундан кунга соғайиш ва солимлик томонга ўзгариб, икки ой деганда Воҳиб ал-атонинг чексиз иноятдан сиҳатлик ва офият топиб, бу азим ҳадиянинг шукронасига барча мустаҳик ва дарвишларга фаровон эҳсонлар бериб, кўп асирларни ҳам озод қилди. Жумладан, Самарқанд *волийси* ҳам озодлик хилъатини кийди. Шу хурсандчилик пайтда адолат жойи бўлган хоннинг хотирида Туркистон сафари фикри пайдо бўлиб, бу ўлка раияти аҳволини текшириш ва билиш учун ҳаракатга тушди. Фарзандлар, яқинлар ва соқчилар дасталари билан йўлга чиқиб, Тўйтепа осмони амир ал-муслимийн кўнишининг анбардек ҳидидан хушбўй бўлиб, Тошканд уламолари, улуғ амирлари ва сардорлари хон истиқболига шошиб, шавкат ва тажаммул билан Тошканд дор ул-аморатига олиб келдилар. Тошканд аҳолиси ва раияти учун бу кун наврўз байрамига айланиб, шодлик ва хурсандчилик уларда юз берди. Шу вақтда ҳумоюн хон амри билан муҳандисшиор маъмурлари Қорасув анҳоридан бир ариқ қазиб чиқариб, сувсиз ва қақир ерларни обод ва экишга мос қилиб бердилар. Ҳозир ҳам бир нечта қишлоқ шу сувдан маъмур ва ободдир. Шундай қариялардан бири Гавҳардон қишлоғидарки, алҳол халқ уни Ковардон деб аташган.

Самарқанд фатҳига юборилган Исҳоқбек *парвоначи*, Хушвақтбек *қўшунбеги* ва бошқа сипоҳ сардорлари бир неча ой шаҳар қалъаси олдида туриб, қамални расо чўздилар. Қиш мавсуми яқинлашаганидан, икки томондаги уламо ва сулаҳо(суллоҳо?)ларининг саъй ва ҳаракатлари билан орада ярашиш тушиб, Фарғона лашкарининг сарф-харажатларини Самарқанд аҳолисидан нақд олиб, Тошканд шаҳрига кириб, олий тахт поясига турдилар.

Бундан илгари амир ал-муслимийн аржуманд ўғли Абдуллоҳбекка келин қилиш учун Қоратегиннинг шоҳи Абдулазизшоҳ ҳузурига муҳтарам қизини сўраб, Зухур *девоубегини* совчиликка юборган эди. Абдулазизшоҳ бундай қуда-андачиликни катта рағбат ва рози-ризолик

билан қабул қилиб, нек ахтар қизини шоҳона ҳашамат ва зийнат буюмлари билан Зухур *девонбегига* ҳамроҳ қилиб, равона қилди. Зухур *девонбегини* маликайи мазкура билан, ўшал кунлари Хўқандга етиб келиб, ўзи билан шоҳ қарочиғини олиб келганини саройи олийга хушхабарини берди. Амри олийга биноан бу мухтарама қиз Зухур *девонбегини* билан бирга Тошкандга олиб келиниши билан, шавкат паноҳ саройнинг баъзи яқинлари истиқболга чиқиб, чексиз эҳтиром ва икром кўрсатиб дор ул-аморатга олиб кирдилар. Қоратегин улуғларидан ҳам бир неча нафари тожнинг дурига йўлдош бўлиб келган эдилар. Уларни яхши манзилларда жойлаштириб, хони ҳумоюн амрига мувофиқ подшоҳона тўйлар ва хусравона тантаналар ташкил этиб, ҳазрати хайр ул-башар суннати ва мустафо шариасти билан маликани хонзода никоҳига киритдилар. Туркистон ва Тошканд, музофотлари билан бирга дилбанд фарзанди Абдуллоҳбекка берилиб, Ғуломшоҳ *қўшунбегиким*, Бекларбеги номи билан донгдор эди, унинг *оталиғи* этиб тайинланди. Давлат арконлари ва вилоят аъёнларинини ҳар томонлама ва ҳар жиҳатлардан сийлаб хон дору-с-салтанатга қайтиш учун фармон берди.

Шу вақтларда амир ал-муслимийн Зухур *девонбегини* элчилик тариқасида Чин давлатига юбориб, тижорат ва Чин билан савдогарлар борди-келдиларини Қошғар музофотида амалга ошириш учун масъул ва Фарғона давлати ва ҳукумати номидан вакил қилди. Зухур *девонбегини* олий фармонга биноан Қошғарга келиб, бу ерда бўлган Чин давлатининг ҳукуматдорлари билан мулоқот қилиб, элчилиги мақсадидан уларни хабардор қилди. Бу вилоятнинг ҳокими уни бир неча кун меҳмон сифатида киромий тутиб, Қошғарда Фарғона ҳукумати номидан Чин давлати олдида вакил тайинлаш таклифини қабул қилди. Мазкур элчи қайтиш рухсатини олиб, Хўқанд дору-с-салтанатига келди. Қошғар музофотида Абдуллоҳбек давлат вакили сифатида тайинланди.

Юқорида баён риштасига тортилиб ёзилган эдики, Ражаб *қўшунбегини* саъй ва ҳаракатлари билан Маҳмудхўжа Ўратепа ва унинг музофоти ҳукуматидан олиниб, бу ҳудудларнинг ҳукумати ва муҳофазатини Ражаб *қўшунбегини* ўз зиммасига олган эди. Бироқ бу ҳудуднинг ҳукумати ва тутумида етарли даражада ҳушёрлик ва огоҳлик кўрсатмасдан, бошқарув ва муовинликда ҳам сусткашлик қилиб, сансалорлиги, нодонлиги ва қабихлигидан бу ўлка Фарғона тасарруфидан чиқиб кетишига сабаб бўлди. Шунинг натижасида у хусравона илтифот назари ва эътибор даражасидан тушган бўлса ҳам, бироқ вазифа, шоҳона инъомлар ва шунга ўхшаш сийловлардан баҳраманд бўлиб турган эди. Мана шу Ражаб *қўшунбегини* тиннатининг разиллигидан куфрони неъматга қадам босиб, баъзи фасодчилар билан махфий равишда маслаҳат ва машварат қилиб, Оталиқбек номи билан аталган Иброҳимбек ибн Олимхон номига фитна ва бузғунчилар билан бирга аҳд-паймон қилди. Иброҳимбек Умархон амри олийси билан Абдулазизшоҳ саройида тутқунликда истиқомат қиларди. Унинг номига мактуб ёзиб, унга шум мақсадларини билгизди ва уни авраб, у ердан қочиб, зудлик билан Фарғона вилоятига келишини сўради. Бахтли тасодифдан бу нома Қоратегин шоҳи кўлига тушиб, Иброҳимбекни қаттиқ назоратга олиб, хатларни амир ал-муслимийн ҳузурига юборди ва уни Ражаб *қўшунбегини* ҳамда бузқунчиларнинг ҳолу аҳволи ва ҳаракатларидан хабардор қилди. Бу асрор амир ал-муслимийннинг қуёшдек равшан қалбига фош ва ошкор бўлгани билан, фитна ва хиёнат арбобларини тутиб олиш учун фармон берди. Текшириш, тафтиш ва таҳқиқлар натижасида Ражаб *қўшунбегини* ва бошқаларнинг гуноҳ ва хиёнатлари исбот бўлди ва қозийлар шариасти шариф аҳкомлари асосида уларни бошқалар ибрати учун, ёмон амалларига яраша жазога гирифтор қилдилар. Фитначи аҳлидан баъзилари, Тентак тўра ва Сотике қипчоқ сингарилар хусравона сиёсатидан қочиб, борлиқ кўчларини нажот соҳилига чиқариб, мамлакатнинг бир гўшасига бориб, ўғри ва нобакорларни йиғиб, босқинчилик билан машғул бўлдилар. Амирлардан Саййидқули *бекларбеги* ва Абулқосим *оталиқни* кўпсонли лашкар билан шу жамоани даф қилиш учун номзод қилиб юбордилар. Улар ўша тарафга шошилиш бориб, бузғунчилар фирқаси билан урушиб, кўпларини Сотике билан бирга бедариг тиг дамидан ўтказдилар. Тентак тўра бир неча нафари билан қочиш водийисга кириб кетиб, гумномлик бурчагидан жой олди. Мамлакат юзи нобакорлар ва разиллар мурдаларидан пок бўлди.

Хон барча олий ҳимматини Аллоҳ халқининг яшаш даражасини кўтариш ва тинчу осойишта яшаши, раият ва сипоҳнинг тарбияти ва шафқати учун сарф қилар эди. Ато ва адолат, инсоф ва арзу доди билан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилди. Бироқ, ғайб оламидан «Сен рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг ҳузурига қайт»⁸²², деган овоз унинг ҳуши қулоғига етиб, Ҳақ даъватини қабул қилиб, 1237 йили, раби-ус-соний ойининг 13 куни/1822 йил, 7 январь жовидон саройига кўчиб кетди. Жаноза намозини ўқиб, уни ганждек аждодлари мозори даҳмасида дафн қилдилар, унга Аллоҳнинг раҳматлари бўлсин.

Ҳукумати 12 йил, ёши 38 да бўлган. Ундан бир-икки хотин ва учта ўғил қолган эди. Амир ал-муслимийн Умархон доно, сахий киши, фазилатлар эгаси, яхши хислатлар соҳиби бўлиб, уламо

⁸²² Қуръони карим, 89:28.

мухлиси, шоир ва фозилларнинг муҳиби эди. Унинг адолатли замонида мамлакатнинг ҳар ёнидан фузало ва шуаро дору-с-салтанат саройида жамъ бўлиб, ўзини ҳам кўнгилга ёқадиган шеърлари мавжуд. Амирий девонидаги ғазаллар унга тегишли. Нозим⁸²³ маснавийси жавобида ёзилган Ҳозикнинг маснавийсини Ҳозик Ҳиротий⁸²⁴ унинг даврида айтган. Назмда битилган «Шоҳнома» номидаги Фазлий Намакконий (!)нинг тарихий асари шу адолат нишон замонида битган.

Олий ҳимати билан шариф бинолар ва жорий хайрияларидан бўлмиш иморатларни кўп қурган. Жумладан, Сирдаёсидан Шаҳрихонгача қазилган анҳор, Тошканд ноҳиясидаги Хон ариғ. Бу анҳорлардан ҳозир ҳам кўп қишлоқлар аҳолиси фойдаланишади. Хўқанд шаҳрининг ўртасидаги Мадрасайи Олий ва масжиди Жоме ҳам ундан ёдгордир. Яна унинг амирлари ва вазирларидан ҳам яхши бинолар бизнинг замонимизгача ёдгор қолганки, уларнинг сони бу мухтасар асарда сиғмайди. Ул асрнинг фузало ва шоирлари амир ал-муслимийн вафотига қалам киприкларидан шинжарфдек (қизил) ёшларини тўкиб, кўпгина марсия ва таърихлар ёзган. Жумладан бири будурур...

МУҲАММАДАЛИХОН ИБН АМИР АЛ-МУСЛИМИЙН УМАРХОНИ ЖАННАТМАКОН ҲУКУМАТИНИНГ ЗИКРИ

1237/1822 йили амир ал-муслимийн (Умархон) вафотидан кейин, буюк уламолар, аҳли исломнинг улуғ вакиллари унинг катта ўғли Маҳаммадалихонга аҳд-паймон қилмоқ учун уюшиб, иттифоқ билан аҳд-паймон маросими ва қутлов тантанасини бажо келтирдилар. Ўн беш ёшлигида жаҳонбонлик тожи унинг ҳумоюн фарқидан зеб-зийнат топиб, салтанат ва хонлик тахти унинг тоза вужудидан сарбаландликка етди. Хони ҳумоюннинг тахтга чиқиш кунида давлат тахти унинг бахт келтирувчи қадамидан тоза шукуҳ ва янги маҳобат ҳосил қилди. Мерос қолган хазина эшикларини очиб, тухфа ва ҳадиялар беришга қўл очиб, хосу ом, мискину етимларга фаровон эҳсон ва инъомлар берди. Шу ҳақда Фазлий «Шоҳнома» асарида⁸²⁵ дер: Маснавий:

Дари ганж бикшод бахшид хон,
На чандонки, онро шумурдан тавон.
Намуди ба ғайри малолат нисор,
Зи бахшиш ба найсон малол аст ор.
[Хон ганжинани очиб, шунча бахшиш бердики,
Унинг сон-саногини билиб бўлмас.
Малол келмасдан шунча сочдики,
Бахшишидан баҳор булутини ор қилишдан илож қолмас].

Падари бузруквори қолдирилган яхши қоида ва қонунларга риоя қилиб, мерос қолган хизматкорларни аржуманд мансаблар билан ардоқлаб, уларнинг маош ва озикаларини кўпайтириб, дод ва адолатга машғул бўлди.

Фарғона шайх ул-исломи ва замона устои Олимхоннинг куёви Маъсумхўжа хони олийнинг рухсати билан икки буюк муқаддас шаҳарларни тавоф (ҳаж) қилиш учун чиқиб кетди.

Муборак тож кийгизиш маросимидан олти ой ўтгач, Кошғар шаҳрининг улуғларидан олий саройга Хитой ҳукуматдорларининг зулмидан шикоятлар келиб, ҳазрати Оффоқ⁸²⁶ (хўжа)

⁸²³ Нозим Ҳиравий/Ҳиротий – форс-тожик шоири. 1601–1605–1671 йй. яшаган. Девони ва “Юсуф ва Зулайхо” деган маснавийси бор.

⁸²⁴ Ҳозик Ҳиротий – Жунайдуллоҳ ибн Исломшайх Ҳиротий, шоир. 1843 йили амир Насруллоҳ юборилган қотил томонидан ўлдирилган. Нозим Ҳиравийнинг “Юсуф ва Зулайхо”сига жавобан маснавий ёзган ва у бизгача етиб келган.

⁸²⁵ Фазлийнинг “Шоҳнома” асари – Умархон саройидаги малик уш-шуаро Фазлий Намангоний ва унинг “Умарнома” асари кўзда тутилмоқда.

⁸²⁶ Оффоқхўжа (1625, Кумул, Шарқий Туркистон – 1695, Қўқон қишлоқ, Қашғар вилояти) – ислом ва тасаввуф илмининг йирик тарғиботчиларидан бири ва Ёркенд хонлигида тахтга ўтирган хўжаларнинг дастлабкиси; Туркистон тасаввуф илмининг раҳнамоларидан Маҳдуми Аъзамнинг авлоди. Оффоқхўжанинг исми Ҳидоятуллоҳ бўлиб, у халқ орасида ҳурмат белгиси бўлган “Оффоқ” (“Ёруғ дунё” ёки “Ёруғлик эгаси”) – хўжа номи билан машҳурдир. Оффоқхўжа ёшлигида отаси Муҳаммадйусуф ибн Эшони Калон билан турли шаҳарларда юриб билим ва тарбия олган. 1638 йилда Қашғарга келиб, отаси вафотидан сўнг бу ердаги октоғлик хўжаларга бош бўлган. 1670 йилда Ёркенд хонлигида юз берган ички курашлар натижасида Оффоқхўжа Қашғарни тарк этиб Туркистон шаҳарларида, қалмоқлар (ойротлар) орасида ва Хэши йўлагидаги (Хэси-цзоулан) вилоятларда диний тарғибот ишлари билан шуғулланган. 1678 йилда Тибетда икки йилга яқин яшаган ва бу ердаги будда дини вакиллари билан яқин алоқада бўлган. 1680 йили Тибет зодагонлари ёрдамида ойротлар хони билан танишган. 1681 йилда қалмоқлар томонидан Ёркенд хонлиги тахтига ўтқазилган. Унинг жасади Ёғду деб номланган жойдаги ота-бувалари қабри ёнига дафн этилган. Шундан бошлаб ушбу қабристон “Оффоқхўжа мазори” деб номланиб, зиёрат масканига айланган. Оффоқхўжанинг Хонхўжа (Хўжа Яҳё ибн Хўжа Ҳидоятуллоҳ ибн Хўжа Муҳаммадйусуф ибн Хўжа Муҳаммадамин ибн Маҳдуми Аъзам Даҳбедий) ва Кунхўжа (Хўжа Бурхониддин) сингари ўғиллари сулола давомчилари

авлодларидан бирор бир хўжани юборишни илтимос қилдилар. Муҳаммадалихон бу борада ақлли ва доно арбоблари билан машварат қилди. Умархони жаннатмакон даврида Хитой ва Фарғона давлатлари орасида ярашиш бўлиб, Фарғонадан Кошғар музофотида вакил ад-давлат тайин бўлгани сабабли, бу ҳақда юқорида қисқа зикр қилинган эди, бу илтимос қабул мақомига етмади.

Кошғарнинг улуғлари ва аҳолиси Фарғона хонининг ёрдами ва мададидан ноумид бўлиб, хазрати Офоқ авлодидан бўлмиш Жаҳонгирхўжага махфий мактублар орқали у билан алоқа ўрнатиб, иноқлашиб кўнглини ёқимли ваъдалар билан тўлдириб, авраб олдиларига чақирдилар. Жаҳонгирхўжайи Офоқий бир неча нафар мухлис ва муридлари билан Кошғар тарафига қочиб бориб, кўлидан келгунча ўзини ва тобеларини Фарғона худудидан олиб чиқишга ҳаракат қилди. Кошғар музофотида таалуқли бўлган Тошқўрғон қалъаси⁸²⁷ га бориб кўним топти ва Кошғар улуғлари ва аҳолисига ҳамчунин шу музофотда яшаётган кўчманчи тоифалар бошлиқларига ахборот ва мактублар юбориб, уларни *хитойликларга* қарши жиҳодга даъват қилди. Ҳар тоифадан кўп халқ унинг байроғи остида жам бўлдилар. Фарғонадан Исобек *додхоҳ* ва Худоёрбийлар ҳам қочиб бир фавж тарафдорлари билан келиб, Жаҳонгирхўжага кўшилдилар. Тошқўрғонда бир неча ой туриб сафарга тайёргарлик кўрдилар ва оқибат Чатро⁸²⁸ халқининг катта гуруҳи билан Кошғарга равона бўлдилар. Йўл юриш пайтида шу чатрорийлардан бир гуруҳи йўл азоби, овқат ва емиш йўқлигидан қайтиб кетдилар. Кўп машаққатлар билан улар Султон Сотуқ Буғрохон мозори⁸²⁹ га етиб келдилар. Хитой ҳукуматдорлари бундан хабардор бўлиб кучли лашкари билан уларга қарши муҳорабага киришди. Жанг шу файз осор мазорнинг ташқарисида воқе бўлиб, Жаҳонгирхўжа лашкари шикаст топди. Ислом аҳлидан кўп одамлар шаҳидлик даражасига етти ва аксар қочишга юзланиб, Жаҳонгирхўжа қолган сипоҳи билан мазкур шариф мазорда яширинди. Хўжа ўзининг яқинларидан бири Ҳасанхўжани элчилик ва жиҳодга даъват этиш учун Қизил су мавзеига, яна бир кишини *жумбағиш* қабиласи ичига юборган эди. Мужоҳидлар мададга етиб келмасдан бурун, кечаси ярим тунда Хитой лашкари бу табаррук мавзега етиб келиб аксар мусулмонларни шаҳидлик мартабасига етказган эди. Жаҳонгирхўжа ва унинг озгина одамлари ҳар ёнга тарқалиб қочиб кетдилар. Жаҳонгирхўжа ва Исобек *додхоҳ* бир хос мулозим билан бу ҳалокатли жойдан қутулиб, бир муайян омон берувчи жой қидириб, топа олмасдилар. Ҳайрон ва саргардон бўлиб бироз йўл юрганда кўзларига бир дарахтзор кўринди. Шу тарафга майл қилиб, дарахтзорлар ичидаги қабристонга кириб бир қабр ичига пинҳон бўлдилар.

Аллоҳнинг чексиз инояти билан Жаҳонгирхўжанинг бахт ва иқбол юлдузи бахтсизлик қаъридан камол чўққисига чиққанда, Қизил су ноҳиясидан *жумбағиш* ва бошқа қабилалар ғазовот саодатига эришиш учун хўжанинг юборган одами билан катта жамоа бўлиб мазкур мавзега етиб келдилар. Хитой лашкари билан бўлган жангда мусулмонлар зафар топиб, *хитойликлардан* аксари мақтул, қолганлари ўз жонларига қасд қилдилар. Мусулмонлар Жаҳонгирхўжа йўқлигидан анча қайғуриб, баъзилар уни шаҳид бўлган, баъзилар эса унинг тириклигидан умидвор бўлиб турдилар. Охири ўртага машварат қуръасини ташлаб, Жаҳонгирхўжадан дарак топиш учун *жарчилар* ва *тавочиларни* ҳар тарафга юбориб, унинг ҳаёти ва мамотидан хабар олиб келишларини, акс ҳолда Офоқхўжа авлодидан бошқа бир хўжани ҳукуматга сайлашга қарор қилдилар. Хўжа талаби билан *жарчи* ва *тавочилар* атроф ва жонибларга бориб, қичқирдиларки, «Эй мусулмонлар огоҳ бўлингиз! Ислом лашкари келиб *хитойликларни* қириб ташлади. Ғайри динлар кўлидан қочиб кетган бирор-бир мусулмон бўлса, кўрқув ва ҳадиксиз муборак мазор олдидаги ислом лашкарига келиб кўшилсин». Шундай *жарчиларнинг* бири қичқириб, асҳоби қаҳф⁸³⁰ (га ўхшаганлар) яширинган қабристон

сифатида Шарқий Туркистондан ташқари Ўрта Осиёда ҳам катта обрўга эга бўлишган. Яна қаранг: Шарқий Туркистон хожаларидан Махдуми Аъзам авлодлари шажараси // Турон тарихи. Оммабоп мажмуа. 1994. – №3. – Б. 9-12.

⁸²⁷ Тошқўрғон қалъаси – ҳозир Шинжон автоном вилоятида тожикларнинг автоном ноҳияси маркази.

⁸²⁸ Матнда “Чатри”.

⁸²⁹ Султон Сотуқ Буғрохон мозори – Абдулкарим Сотуқ Буғрохоннинг мозори. У ва унинг набираси Ҳорун ибн Мусо даврида (X–XI асрлар) Еттисув ва Қашқардаги кўпчилик туркий халқлар ислом динини қабул қилганлар.

⁸³⁰ Асҳоби қаҳф – (араб. “ғор эгалари”, “ғор одамлари”) – ривоят қилишича ўз замонлари подшоҳи Дақёнус (император Деций) зулмидан қочиб, Роббиларига бўлган имонларини саклаш мақсадида ғорга кириб яширинган ва Аллоҳ таолонинг иродаси, илоҳий мўъжиза билан кўп йиллар ухлатиб қўйилган ёш йигитлар ва уларнинг ити. Улар 309 йилдан сўнг уйғонишади. Оятда бу мўъжизани Аллоҳ таоло кейинги умматлар қиёматга ва ўлгандан кейин тирилиш ҳақ эканига ишонч ҳосил қилсинлар деб содир этган, дейилади. Узоқ уйқудан уйғонган йигитлар учун гўё куннинг бир қисми ўтгандек туюлган. Улар ораларидан бир кишини вакил қилиб уни таом келтириш учун шаҳарга пул билан жўнатганлар ва бирон-бир киши уни таниб қолишидан эҳтиёт бўлишини тайинлашган. Вакил бозорга бориб пулни берганда, одамлар у қадим замон пули эканлигини билиб қолганлар. Вакил билан муомалада ҳам унинг ўз замонлари одами эмаслигини сезиб қолишган. Хуллас, Аллоҳнинг иродаси билан йигитларнинг сири фош қилиниб, улар ўша давр одамларига танитилган. Вақт ўтиши билан шаҳар аҳолиси ҳам имонга келган эди. Улар қаҳф эгалари ҳақидаги қиссани яхши билишарди. Шунинг учун бозорга келган вакилни дарҳол таниб олишади. Шаҳар аҳолиси ғор устига масжид бунёд этишган, сўнгра улар қаҳф аҳли неча киши

олдидан ўтиб кетди. Бу роҳат берувчи овоз уларнинг қулоғларига етгани билан, дарров ўзларини ошқор қилмоқчи бўлдилар. Бироқ, буларни ҳам ғайридинларнинг бирор бир макри деб билиб, мазкур маҳалдан кеч бўлгунча чиқмай, сабр қилиб, турдилар. Тун зулмотида бир хос хизматкорини текшириш учун юбориб, ўзлари Аллоҳ карамига таваккал қилиб ғайбдан башорат келишини кутиб турдилар. Мулозим гадо киёфасида секин йўлга тушиб, юриши вақтида аҳмадия буюклик замзамаси, беш вақтлик яхши муҳаммадия тантанасини ақлу ҳуши қулоғи билан эшитиб, «Ҳайа ала-л-фалоҳ» карима калимасидан ўлик танасига янгитдан жон кириб, ғам ва ғуссадан халос бўлиб, шу руҳ ато этувчи овоз тарафига жасур ва дадил қадам босиб, аҳли ислом жамияти билан учрашди. Шодлигидан беихтиёр йиғлашга тушди. Унинг баланд йиғлаш овозини эшитиб, бир неча мусулмонлар яқин келиб, дод солишининг сабаби ва ҳолини текшира бошладилар. Тили сўзлашдан қолган, йиғлашдан бошқа жавоби йўқ эди. Уни ўз ҳолига қолдирдилар. Бироз муддатдан сўнг ўзига келиб, *хитойликларнинг* ғалабаси, аҳли исломнинг шаҳид бўлишлари воқеаси, Жаҳонгирхўжани тирик гўрда экани муждасини Исобек *додхоҳ* ва ҳозир бўлганларга айтиб берди. Бул жамоа эшитган хушхабарни Ҳасанхўжа ва бошқа сардорларга етказдилар. Ул хос мулозимга шоҳона хилъат бериб, тез Жаҳонгирхўжа ҳузурига равона этиб, уни шу йўсинда, секин бориб давлат ва ғалаба хабарини Хўжага етказишини илтимос қилдилар. Мусулмон сардорларини бир жамоа билан келганларини ҳам Хўжага маълум қилсин токим, бирдан жамоани кўриб, ваҳшат ва даҳшатга тушмасин, дея таъкидладилар.

Хўжанинг мулозими аҳли ислом жамоасининг бир чопари билан айтилган тариқда Хўжага воқеа суратини маълум қилди. Хўжа ва [Исобек] *додхоҳ* берилган халатларни кийиб, қабристондан хиромон чиқиб, аҳли ислом сардорларини истиқболига бордилар. Ул азизлар Хўжани йўл бошига ташриф буюрганидан воқиф бўлиб, отларидан тушдилар ва қўлини ўпиб, муборак бўлсин қондасини бажардилар. Кейин хуррамлик ва комронлик билан отларига миниб, махсус тайёрланган хўжа манзилига келиб қўним топдилар. Эртаси Кошғар, Ёрканд ва Хутан⁸³¹ музофотларининг теварак-атрофига мубашширлар жўнатиб, уларга дин авлиёларининг нусрати ва мушриклар фирқасининг сингани ҳақида эълон бериб, қайси шаҳарда *хитойлик* бўлса шу ноҳиянинг мусулмонлари ул қавмни кириши ва йўқ бўлишига жидд-жаҳд қилиб, жиҳод байроғини баланд кўтарсинлар, деб ёздилар.

Бу нусратли хабар аввал Кошғарга етиб келганда, бутун аҳолиси жунбиш ва мавж уришга кириб, уруш асбобларидан топганини қўлга олиб, ҳукумат турган марказга шошдилар. Баъзи хитой мансабдорларини тутиб қатл қилдилар. Аксар ҳукуматдорлар ва лашкария Гулбоғ⁸³² деган қалъага кириб, яшириндилар. Кошғар музофотининг бошқа жойларида ҳам мусулмонлар *хитойликлар* устидан ғалаба қилиб, бу ерларнинг аҳолиси Жаҳонгирхўжанинг тахти итоатига кирдилар. Кошғар ва унинг музофоти ҳукумати Жаҳонгирхўжанинг қўлига ўтди ва у ҳукумат ўрдаси бўлган Гулбоғ қалъаси қамалига киришди. Қалъа жуда метин, мудофааси учун керакли захира ва асбоблар билан яхши таъминланган эди. Унинг фатҳи муяссар бўлмаганидан Жаҳонгирхўжа билимдон асҳобларини йиғиб, шу жиҳатда машваратни ўртага ташлади. Барча шу қарорга келдиларки, бу буюк ишда Фарғона давлатидан мадад олиб, Фарғона хони этагини ушлаб, ёрдам ва мадад беришини сўраш керак. Шунда мурод калити осонлик билан қўлга келади. Бинобарин, [Жаҳонгирхўжа] арбоби машварат ва доно маслаҳатлари билан Исобек *додхоҳ*, Кошғар *қозиси* ва яна бир неча нафар Кошғар музофотидан улуғларни аҳли ислом ва ўзи номидан қимматбаҳо ҳадия ва тансуқотлар билан Хўқанд дору-с-салтанатига юбориб, улар билан бир узрнома ҳам мана бу мазмунда ёзиб берди: «Кошғар мусулмонларининг менга нисбатан талаблари ҳаддан ошганда, камина кўрсам, жаноби аълоҳазрат Чин ҳукуматдорлари билан бўлган аҳднома риояси учун Кошғар аҳолисининг арзу додларига илтифот қилмаябдилар, шунда беадаблик камолимдан ҳумоюн хоннинг ижозатисиз бу томонларга ҳаракат қилдим. Алҳамдулиллоҳ, шукру мақтовлар Унга аzza ва жалла Худованд карамига бўлсинки, ҳумоюн хонимизнинг бахту иқболларидан ва бу текин сотиб олинган кулларининг ҳаракати билан аҳли ислом золимларга ғолиб келиб, бу билоднинг аксар қисми эгалланди. Фақат баъзи қалъаларда Чин лашкари яшириниб олган. Бу ғулумлари шу кунгача ижозатингизсиз ва суннатга хилоф равишда

эканлиги (3,5,7 киши) ва улар қанча муддат ғорда бўлганликлари ҳақида тортишганлар. Куръони каримнинг “Каҳф” сурасида асҳоби каҳф ҳақида батафсил ҳикоя қилинган. Баъзи ривоятларга кўра, асҳоби каҳфнинг номлари: Амлихо, Макшалино, Машлино, Марнуш, Дабарнуш, Шознуш. Кашфиттанус ҳамда итнинг номи – Қитмир бўлган экан.

⁸³¹ Ёрканд ва Хутан – Ёрканд/Ёркент – қадимий номи Сакараўл, хитойча Шачэ – Хитойнинг Синьц-зян-Уйғур мухтор республикасидаги шаҳар, Қашқар вилоятининг Ёркент тумани маркази (1980 й.гача Қашқар вилояти маркази). Такламакон чўлининг ғарбий қисмида, Ёркенддарёнинг ўнг соҳилида, 1200 м баландликда жойлашган. Хўтан – Хитойнинг ғарбий қисмидаги шу ном билан аталган дарё, Тарим дарёсининг ўнг ирмоғида жойлашган шаҳар.

⁸³² Гулбоғ, қалъа – Кошғар шаҳрининг ички қалъаси. Ҳоким қароргоҳи бўлган.

муваққатан ҳукумат қилишга мутасаддий ва мабашшир эдим. Энди аҳли ислом аъён ва акобирларидан бир неча кишини шавкатмадор саройга юбориб, салтанат қулларидан бировни Кошғар ва унинг музофотига ҳоким қилиб тайинлаб, фирузи асар лашкардан бир фавжини бошқа шаҳарлар ва Гулбоғ қалъасини фатҳи ва бу ердаги мусулмонлар додига етиш учун фармони олий билан юбориб, бу вилоят юзини Хитой лашкарининг ўлик таналаридан бутунлай тозалаб, уни Фарғона мулкига қўшилиб оласиз, деган умиддаман».

Кошғар улуғлари ҳамда Исобек *додхоҳ* Фарғона сари ҳаракат қилиб, ақбалар ва масофаларни кезиб ўтиб, шавкатпаноҳли даргоҳга келиб, остона ўпиш шарафига мушарраф бўлиб, Кошғар сипоҳи ва аҳолисининг арзаларини бердилар. Муҳаммадалихон бу ишларда тажрибали ва билимдон арбоблари билан машварат қилиб, Ҳаққули *қўшунбегини* катта лашкар билан *хитойликларни* ҳайдаб, ул билодни босиб олиш учун номзод қилди. Кошғар ва унинг музофотлари ҳукуматини Жаҳонгирхўжа номига ёрлик қилиб, мазкур Ҳаққули билан бериб юборди. Кошғар улуғларини хусравоний меҳрибонликлар билан сарафроз этиб, шу лашкарга қўшиб, кетиш учун рухсат берди.

Вилоятнинг барча ҳудудларига *тавочилар* ва *хабарчилар* юбориб лашкар йиғишга олий топшириқ берилди. Андак замонда хони ҳумоюн байроғининг соясида бир талай лашкар йиғилди. Шаҳрисабздан Улуғбек ибн Содик тўра ҳам кучли фавжи билан келиб, пойтахтда буюк лашкарга қўшилди. Гадоёбой *додхоҳ* кўпсонли сипоҳ билан Бухоро ва Фарғона давлатларининг чегарасида жойлашган Навканд қалъасининг истехкоми ва муҳофазатига маъмур бўлди. Муҳаммадалихоннинг ўзи буюк лашкар билан ғазотни мақсад қилиб, дору-с-салтанатдан Кошғарга юриш қилди. Кўхистондан ўтиб, чўл ва саҳроларни кезиб, нусратли яловларининг ҳилоли Кашғар шаҳри осмонида кадалганида, Кошғар аҳолиси ва сипоҳининг ҳамма буюклари ва ашрофлари истиқболга чиқиб, таслим ва итоат шартларини бажо келтирдилар. Олийғуҳар хон катта ҳашамат ва дабдабалар билан Кошғар дор ул-аморатига дохил бўлиб, эртаси Ҳаққули *қўшунбегини* лашкар сардорлари билан бирга Гулбоғ қалъасини тасхир қилиш учун амр қилди. Жаҳонгирхўжани Кошғар сипоҳи билан бирга уларнинг итоатига берди. Барча лашкар иттифоқ билан қуршов ишига саъй ва ҳаракатлар билан бел боғлаб, қарийб бу метин ва мустаҳкам қалъани фатҳ қилганларида, бир воқеа юз бериб, бу ишларга тўсиқ ва кечиктиришнинг сабабига айланди.

Зикр қилинган эдики, Муҳаммадалихон Кошғар сафаридан олдин Гадоёбой *додхоҳни* бир неча сипоҳий дасталари билан Навканд қалъасига, бу ҳудуд муҳофазати ва истехкомига қолдирган эди. Хон Кошғарга келиб, бу шаҳарнинг тасхирига машғул бўлаётганида, унинг йўқлигини ғанимат деб билиб, Муҳаммадраҳимбек *оталиқ* Бухоро ва *йузия* лашкари билан Фарғона вилоятидаги қалъаларни босиб олиш ва талаш учун ҳаракат қилди. Тағин шу вақтда Бухоро амири ҳам амирлик пойтахтидан катта лашкар билан чиқиб, Самарқандга келганида Фарғона чегарасида жойлашган баъзи амирлар ҳадиксираб, Кошғарга хон ҳузурига тезюрар чопарларини хабардор қилиш учун юбордилар.

Фарғона хони давлат арконлари билан машварат қилиб, қайтишни маъқул деб билиб, Ҳаққули *қўшунбегини* лашкарнинг учдан бири билан Кашғар ва унинг қалъалари забти учун қолдириб, қайтди. Шу аснода Муҳаммадраҳимбек *оталиқ* Навканд қалъасининг қамали ва қуршовига жидду жаҳд қилиб, Бухоро амири кўпгина лашкар билан унга мадад учун келаётир деган умидда эди. Бироқ, Катта қўрғон ва Самарқанд атрофидаги *хитой*, *қипчоқ* ва *қорақалпоқ* кўчманчи тоифасининг кўзғолони ва ғалаёни Бухоро ҳукуматига катта ташвиш келтирди, амир Ҳайдарни Фарғона тарафига юриш қилишига монелик ва тўсқинлик қилди. Улар ички ишлари билан машғул бўлиб, Муҳаммадраҳимбек *оталиқ* мададига етиб кела олмадилар. Муҳаммадраҳимбек бир муддат Навканд қалъасининг сиртида турди. Фарғона хонининг Хўқанд дору-с-салтанатига келиб киришини билиб, муродга етмасдан Навканд қалъасидан, Ўратепага мунг ва маъюс бўлиб қайтди. Навканд қалъаси ва чегараларининг мири Гадоёбой *додхоҳ* бу вазиятдан Муҳаммадалихонни хабардор қилди.

Муҳаммадраҳимбек *оталиқ* Фарғона давлатига нисбатан кўп марта душманлик ҳаракати ва қилиқларини зоҳир қилган эди. Бу дафъа ҳам хоннинг айни жиҳоди вақтида Фарғонага қасд қилиши, барча мусулмонларга қаттиқ алам ва таъсир қилди. Фарғонанинг икромли уламолари Муҳаммадалихонни Муҳаммадраҳимхонга жазо ва адабини бериш учун тарғиб қила бошладилар. Хон ҳам бу улуғ ишда амирлари ва вазирлари билан машварат қилиб, уларни ҳам буюк уламо билан ҳамфикр эканларини фаҳмлаб, кўп лашкар билан Ўратепани босиб олиш ва Муҳаммадраҳимхон *оталиққа* жазо бериш учун йўлга чиқди. Йўл ва масофалар босиб ўтилгач, Қизил мавзеи нусратасар аскарлар учун кўниш манзилига айланди. Ахбор ва текширувлардан шу нарса маълум бўлдики, Муҳаммадраҳимхон *оталиқ*, катта ўғли Бобобекни сипоҳ билан Ўратепа қалъасида қолдириб, ўзи лашкар йиғиш ва қўр-қут тайёрлаш учун Диззах қалъасига борибди. Шу кечаси лашкарни бир неча гуруҳга тақсимлаб, ҳар бирига бир зийрак сардор тайинлаб, шу заҳоти Ўратепа қалъасига ҳар тарафидан ҳужум ва талаш қилишни буюрди. Мансур аскарнинг амирлари ҳумоюн хон топшириғи

билан қалъа сари шошиб, зафарпаноҳ сипоҳнинг *баҳодир*лари турли нуқталардан нарвон ва арқонлар ёрдамида қалъага кирдилар. Қалъа дарвозабонларини ўлдириб, барча лашкария учун шаҳар қопқиларини очдилар. Лашкар шаҳар қалъасини эгаллади.

Йуз ва Бухоро сипоҳи ғафлат уйқусидан уйғониб, ҳайрон ва саранг қаршилиққа тоб бермай Муғ қалъасига кириб панаҳ топдилар. Фарғона лашкари ҳам орқаларидан қувиб, мазкур қалъани ҳалқадек ўраб олиб, уни босиб улуш учун саъй ва ҳаракатларни бошладилар. *Йузия* сардорлари ва Муҳаммадраҳимбек *оталиқ*нинг ўғли ўзларининг ожиз ва мағлуб бўлишларини ҳис этиб, вилоят улуғлари ва уламоларини олий саройга юбордилар. Хон Муҳаммадраҳимбекнинг авлоди ва сардорларига шафқат қилиб, омонлик берди ва улар Диззах тарафига қуйиб юборилди. Қалъа Фарғона лашкари қўлига ўтиб, ниҳоятда кўп бойлик уларга ғанимат тушди.

Бу музофот ҳукуматини Шоҳи *парвона*чига бериб, хон нусрат ва обрў билан ул ноҳиядан қайтиб келиб дору-с-салтанат Хўқандда Фарғона мулки ободончилиги билан машғул бўлди. Хони ҳумоюн фармойиши билан муҳандис меъморлар Хўқанд шаҳрида пишиқ ғишт ва ганждан икки қаватли мадраса қурилишини бошладилар. Кўп вақф ҳам унга тайинланилди. Ҳозиргача бу мадрасадаги мударрис ва толиби илмлар фориф ва фархатда илм таҳсили билан машғул. Адолатнишонли хон ҳукми билан Сўх дарёсидан бир ариқ қазиб чиқариб, ўлик ётган қақир ерлар тирилтириб, обод қилинди. Деҳқончилик ва зироат ишларига ривож ва янги равнақ берилди. Вақт ўтиши билан шу ариқ баракотидан кўпгина қишлоқлар ташкил топилдики, уларни санаш ва баён қилиши анча узоққа чўзилади.

Юқорида ёзилган эдики, Кошғар сафаридан қайтиш чоғида Ҳаққули *қўшунбеги* Фарғона сипоҳининг учдан бири билан *хитойлик*лар қалъаларини босиб олиш учун ул мавзеда қолдирилган эди. Ҳаққули ва Жаҳонгирхўжа беш ойдан ортиқ қалъа қамали ва қуршови билан машғул бўлиб, ундан Хитой лашкари эзилиб, бир кеча қочиб кетиш учун қалъадан чиқди. Улар Оқсу тарафига ҳаракат қилиб, шу ердаги *хитойлик* сипоҳи билан бирлашмоқчи эдилар. Ислом амирлари душман макридан хабардор бўлиб, бир неча отликларни таъқиб қилишга юбордилар. Тағин яна бир неча даста билан ўзлари ҳам орқадан суръат билан равона бўлдилар. Олдинги фавж эрталаб душманга етиб олиб, жангни бошлади. Хитой лашкари ночор урушга киришиб, жанг қизиган пайтда қолган ислом жунуди ҳам етиб келиб муҳорабага қўшилдилар. Фатҳ ва зафар насими ислом лашкари тарафига эсиб, *хитойлик*лар ўлиб, асирга тушиб улардан бирор нафари нажот соҳилига етмади. Мусулмонлардан озгина киши ярадор бўлиб, бир неча нафаргина шаҳодат топди. Қолганлар соғ-саломат ва ғаниматларга эга бўлиб Кошғарга келдилар. Қўлга тушган қурол ва аслаҳалар билан бирга Фарғона хонига хушхабар етказиш учун чопарлар юборилди.

Бу ғалабадан сўнг Фарғона *сипаҳсолори* Ҳаққулибек бошқа қалъа ва ҳудудларни эгаллаш учун лашкар ва қўшун ишига машғул бўлиб, уларни таъминлаш учун саъй қилиб, бу вилоят ишларини саранжом қилмоқчи бўлди. Лекин ҳар бир билод ва мамлакатда бўлгани каби, бу ерда баъзи ғаламис, мунофиқ ва ҳақношинос одамлар Жаҳонгирхўжа ҳузурига йўл топиб, унинг маишат мажлиси ва тараб базмига ёр бўлиб, дедилар: «Фарғона *қўшунбегиси* Ҳаққулибек бу вилоятда турар экан, сизнинг ҳукумат ва эркинлигизни ривож ва равнақи бўлмайдди. У бу вилоятни *хитойлик*лар нопок ва ўлакса вужудларидан тозаласа, бу ерда янги одамни ҳукумат тепасига қўйиши мумкин. Яхшиси қандай йўл ва ҳийла билан бўлмасин уни бу мақомдан қайтаринг». Бу афсун, чўпчак ва ғаразли сўзлар билан улар Жаҳонгирхўжа қалбини тўлдирдилар. Хўжа ҳар хил нарсалардан бир қимматбаҳо ҳадия тайёрлаб, Кошғарнинг сўзга чечан баъзи бир улуғлари орқали Ҳаққулибек қошига юборди ва унга деди: «Аллоҳга шукрлар бўлсинки, Парвардигори олам ва оламиён лутфи ва амирликнинг паноҳи бўлмиш қадами билан мусулмонлар лашкари *хитойлик*лар сипоҳи устидан зафар топиб, ул қавмнинг ҳайбати тарқоқликка мубаддал бўлиб, мулкда амният ва тинчлик қарор топди. У бу бурчакда қолиб кетган бу қавмдан қолган бир-иккитасини йўқ қилишда катта лашкарнинг заҳмати ва ҳаракати керак бўлмайдди. Бир неча кун яна ўз қадамлари билан бизни сарафроз этиб, шу жойларида истироҳат ва ором топиб, қолган машаққат ва хизматларни бу камина ва бу ўлканинг аҳолиси зиммасига қолдириб, қайтсинлар». Ҳаққулибек Жаҳонгирхўжадан бемаъни бу хабарни олиб, қайтариб жавоб бердики: «Бу ерда ўз ихтиёрим билан келиб турмаяпман. Бу музофотдан ҳумоюн хон ижозатисиз қайтишимни имкони бўлмайдди. Бу хусусда олий саройга мурожаат қиламан, қандай фармон ва топшириқ бўлса ўшанга амал қиламан». Хабарчи Ҳаққулибек жавоби билан қайтиб келганида, Хўжа зудлик билан Кошғарнинг ҳар тоифа ва қабиласидан ишбилармон вакилларни йиғиб олиб, мажлис аҳлининг машварати ва маслаҳати билан у кучи етгунга қадар нафис ва рангоранг ҳар жинс мато ва латиף ақмишалардан, тилла ва кумушдан ясалган идиш ва асбоблардан шоҳона ҳадия ва тансуқот муҳайё қилиб, бир неча кўпни билган ва хушёр кишиларни дору-с-салтанатга элчи этиб тайинлаб, уларга

қўшиб юборди. Бундан ташқари итоат ва таслим мазмуни билан тўла бир мактубни сафирлар қўлига бериб, жўнатдилар. *Амири лашкар* Ҳаққулибекни ҳам бундан хабардор қилдилар. *Қўшунбеги* ҳам бу ишни маъқуллаб, ўз тарафидан Абдусамад *додхоҳ*ни Кошғар музофоти вакилларига қўшиб, баланд тахт поясига шундай арз қилдики, бу қулингиз *хитойлик* лашкарини қолган-қутган қисмини ҳайдаб чиқариш ишини муҳим деб билиб, Кошғарнинг бошқа қисмларига ҳам ўтиб душманнинг нопок вужудидан пок этмоқчи эдим. Аммо Жаҳонгирхўжа ва баъзи кўтаҳандиш одамлар, *хитойликлар*ни даф қилиш ишини осон деб билиб, бу амри азим масъулиятини ўз зиммаларига олиб, *хитойлик* билан муҳораба ва жиҳодни уларга қолдиришимни хоҳлайдилар. Бу ишни ўзим анжомга етказишга рози бўлмаётирлар.

Абдусамад бу жамоа билан Кошғардан дору-с-салтагнатга етиб келиб, остона ўпиш шарафига етиб, ариза ва ҳадияларни ҳумоюн хон назаридан ўтказиб, элчилик қоидаларини бажо келтирди ва улар учун тайинланган манзилда қўним топиб, арзаларини жавобини олиш учун мунтазир турди. Хони ғозий Кошғар ишлари бўйича давлат арконлари билан машварат қилиб, Кашғар вилояти улуғларининг хоҳишларига мувофиқ, Хитой лашкарининг қолган қисмини даф этиш масъулиятини Жаҳонгирхўжа ва Кошғарнинг аҳолисига бериб, *қўшунбеги* Ҳаққулибекни Фарғона лашкари билан қайтиши учун амр қилди. Кошғар вакиллари ҳамда Абдусамад *додхоҳ* хусравона лутфларнинг марҳаматидан баҳраманд ва сарафроз бўлиб Кошғарга қайтиш учун рухсат олдилар.

Вакиллар Кашғарга қайтишлари билан Ҳаққулибек у ердан сипоҳи билан Хўқанд дору-с-салтанатига келди ва баракатасар хон назаридан бахтиёр бўлиб, хизматида ягона бўлган эранлари шу сафарда мардлик ва қаҳромонлик шартларини бажарганлари учун, мартаба ва амалларига мувофиқ хони ғозийнинг чексиз карамидан баҳраманд бўлдилар.

Фарғона сипоҳи қайтиши билан Жаҳонгирхўжа ҳукумат шаробидан маст ва аласт бўлиб, ақл-хирад ва эҳтиёткорликдан юз ўгириб, базм мажлисини кураш майдонидан афзал деб билиб, доно одамлар сўхбатидан қараганда, улфатчилик этагини маҳкам ушлаб, ҳолати тили бу сўзларни тараннум қилар эди. Фард:

Майи дусолаву маҳбуби чаҳордахсола,
Гарат мудом муяссар шавад, зиҳи тавфиқ.
[Иккийиллик май ва ўн тўрт ёшли маҳбуба,
Ҳар дойим муяссаринг бўлса, яшасин диёнат].

Баъзи сергак ва тийрак улуғлар уни бу ёмон ва бало келтирувчи хулқ ва атвордан манъ қилсалар ҳам келим бермасди. Уч ой ўтди. Хитой лашкарининг сардорлари Фарғона сипоҳи қайтиши ва Кошғар аҳволининг тарқоқлиги ва низомсизлигидан хабардор бўлиб, катта бир уюшмани тузиб, ҳеч ким билмаган яширин йўллар билан Кашғарга бир манзил қолган жойга келиб тушдилар. Агарда қишлоқ аҳолиси чўлу даштдан қочиб шаҳарга келмаганларида, кошғарликлар бундан сира огоҳлик топмасдилар. Сипоҳ ва раиятнинг баъзи улуғлари вазиятдан хабардор бўлгач, рухсатсиз унинг хилватхонасига кириб бу даҳшатли воқеа ва бўлган кўргиликни унга билгиздилар; ишрат мажлисини мусибат маҳфилига айлантдилар. Ўша маҳал ҳар хил гап ва калочалар ўртага солинди ва охири сипоҳ ва раиятдан йиғилиши муяссар бўлганларни олиб, бир неча фавжга тақсимлаб уларга Тўрахўжайи Аҳрорий, Худоёрбек ибн Муродбек ва Мўсахўжайи Аҳрорийларни сардор этиб Хитой лашкари муҳорабасига юбордилар. Йўлда иккала лашкар учрашиб, жангдан уруш бозори иссиб кетди ва қарию ёшнинг ҳаёти бир нарҳда савдоланди. Кўп кўшиш ва кушиш (ўлдириш)лардан сўнг мусулмонларга шикаст етиб, аҳли исломнинг аксари шаҳид бўлдилар. Тўрахўжа ва Мўсахўжа баъзилар билан асирлик бандига тушдилар. Жуда кам одам бу йўқлик жарлигидан борлиқ соҳилига чиқиб, Кошғарга қочиб келди. Орқаларидан Хитой лашкари етиб келиб, бир минг икки юз қирқ иккинчи (1826-1827) йили яна бу мулкка эга бўлдилар. Жаҳонгирхўжа тун зулмотида бир неча нафар билан ул шаҳардан Фарғона ва Кошғар орасидаги тоғли жойга қочиб, бир муддат шу жойда ҳаёт кечирди. Хитой ҳукуматдолари хўжани қўлга олиш учун турфа ҳийлалар ўйлаб, ҳар хил мактублар Кошғар мусулмонлари номидан ёзиб, Жаҳонгирхўжани даъват қилиб, бир неча мунофиқ, нокас ва диёнатфуруш орқали унга етказдилар. Жаҳонгирхўжа ул бадсыйратли золимлар қавли ва қасамларига ишониб, тоғлар ичидан чиқиб куффор қўлига гирифтор бўлди. Шу вақтда кўпгина мусулмонлар аҳли аёллари билан Кошғар музофотидан хижрат қилиб, Фарғонага келдилар. Хони ғозий уларнинг аҳволига раҳм ва шафқат қилиб, Андижон ва Ўш орасидан уларга ер ва жойлар бериб, яшаш, деҳқончилик ва эҳтиёжлари учун экинларидан ҳосил олгунга қадар давлат хазинасидан ёрдам берди.

Шу воқеаларга яқин вақтда Бухоро амири *хитой-қипчоқ* тоифасининг фитна ва исёнини дафи билан машғул эди, яраш ва сулҳ эшигини очиб бу амрнинг исботи ва сидқини исботлаш учун Исматуллоҳ *додхоҳ*ни элчилик тариқасида қимматбаҳо ва шоҳона тухфалар билан Хўқанд дору-с-

салтанатига юборди. Йўл ва мавзеларни кезиб ўтиб Исматуллоҳ *додхоҳ* Хўқандга яқинлашганида, саройи олийнинг баъзи маъмур ва мутасаддийлари истиқболига чиқиб Хўқанд дору-с-салтанатига олиб кириб, сафир учун муқаррар бўлган муносиб маконда тушириб, унинг иззат ва икромига ҳаракат қилдилар. Учинчи кун элчи остона ўпишга рухсат олиб, элчилик одобини балоғат билан бажо келтириб, тухфаларни кимиё асар хон назаридан ўтказиб, хусравона навозиш ва илтифотлар билан комёб қилинди. Яна бир неча кун меҳмон сифатида қолиб, кетишига рухсат берилди. Бухоро амирига лойиқ тухфа ва ҳадиялар тартиб бериб уларни Азимбой *додхоҳ* билан элчига қўшиб юбордилар. Нурато⁸³³ мазорига етиб борганларида амири кабир уларнинг келишларидан хабардор бўлиб, Нурато ҳокимини кутиб олиш учун жўнатди. Уларни Янги-қўрғон қалъасига даъват қилиб, Исматуллоҳ *додхоҳ* (ва Азимбой *додхоҳ*) мазкур қалъада ул жаноб ҳузурига мушарраф бўлиб, кўп эъзоз ва икромлар кўрди.

Андак фурсатдан кейин амири кабир томонидан Азимбой *додхоҳ* ва таникли иршодпаноҳ халифа Ҳусайн элчилик учун *хитой*, *қипчоқ* ва *қароқалпоқ* тоифалари олдига панд ва насиҳатлар бериб уларни ифоқага келтириш учун юборилди. Шу иккала тоифа раислари амирдан аҳднома талаб қилдилар. Азимбой *додхоҳ* амир хизматига келиб, мазкур қабилаларнинг қони ва молларига берилган омонлик аҳдномасини қўлга киритиб, қалъада тоифалар раисларига берди. Сулҳ ва яраш орага тушди. Қабилалар қалъани амир мулозим-ларига топшириб ўз манзил ва маконларига қайтдилар.

Бу ишлардан фориғ бўлгач амир дор ул-аморат Бухорога қайтди. Азимбой *додхоҳ*ни ўзи билан олиб кетиб, шоҳона марҳамат ва илтифотлардан масрур ва мамнун қилиб қайтишга рухсат берди. Исматуллоҳ *додхоҳ* шоҳона тухфалар ва яна бир бош от билан хони ғозий ҳузурига юборилди. Улар бирга Хўқанд дор ул-аморатига келдилар. Дарбори олийнинг баъзи маъмурлари истиқбол қондасини бажо келтириб, уларни хони ғозий гиламини ўпиш билан мушарраф этиб, амири кабир муҳаббатномаси ва ҳадияларини хонга топширтириб, уларни хони ғозий меҳрубонлиги билан сарафроз этдилар. Элчи бир муддат меҳмоннавозлик йўсинида пойтахтда яшаб туриб, Султонхожайи Адо⁸³⁴ билан бирга ҳадия ва тухфалар билан Бухоро дор ул-аморатига юборилди.

Бухоро ва Фарғона давлатлари орасида бир неча марта элчилик ва дўстона муносабатлар амалга ошиб, бу иноқлик хосиятидан *қароқалпоқ* ва *хитой-қипчоқ*ларнинг фасодлари таскин топди, ҳар иккала мулкнинг душманлари ва муфсидлари гумдонлик гўшасида йўқ бўлишди. Иккала миллатнинг дўстлари эса комронлик манзилида тинч бўлдилар.

Ҳижрий 1241/1825 йил, чоршанба куниси, рабиъ ул-аввал ойининг учинчисида⁸³⁵ амир Ҳайдар Аллоҳ раҳматига кўчиб, мадрасайи Олийнинг ёнида дафн этилди. Айтишларича у тақводор, уламо, олим ва фозилларни дўст туташган киши эди. Ундан олтига нек ахтар ўғиллар қолган. Ҳусайнтўра, Умартўра, Абдуллохтўра, Насруллохтўра, Зубайртўра, Жаҳонгиртўра. Ҳаким *қўшбеги*⁸³⁶ Бухоро давлатининг асосий устунларидан бири эди. Амири кабир вафотини сир тутиб, Қарши *волийси* бўлган Насруллох тўрага чопар юбориб, чақиртириб отаси ўрнига амирлик тахтига кўтармоқчи эди. Унга муяссар бўлмади. Ҳусайнтўра энг катта ўғил сифатида ва ҳамда яхши хулққа эга бўлганидан мулк ва ҳукумат улуғлари унинг амирлигини тан олдилар. Ҳаким *қўшбеги* уларга қарши чиқиб амирлик эшикларини улар учун ёпиб қўйди. Сипоҳ ва раият ҳар тарафдан босиб келиб, қалъа дарвозаларини синдириб аркни забт қилдилар. Ҳаким *қўшбеги* баъзи тарафдорлари билан қочиб кетиб яширинди. Ҳусайнтўра амирлик тахтига ўтириб ҳукмронлик ишлари билан машғул бўлди. Ҳаким *қўшбеги* яширинган жойидан чиқиб уламо ва аён шафоати билан кечирилди ва яна олдинги вазирлик мансаби билан тақдирланди. Насруллох тўра Бухоро яқинига келиб, акасини тахтга чиққанидан хабар топиб, Қаршига қайтиб кетди. Амир Ҳусайн қарийб уч ой ҳукмронлик қилиб, заҳарланиб дунё ибратхонасидан кетди. Ул замона одамлари Ҳаким *қўшбеги*ни олчоқлигидан ўз валинеъматини ўлдиришга қодир деб билардилар. Амир Ҳусайн вафоти 1242/1826 йил, 20 чи жумода-л-увла⁸³⁷ юз берган эди. Амир Ҳусайн саховат ва ҳимматда, илму фазилатда халқ орасида жуда донги кетган эди.

Амир Ҳусайн вафотидан кейин ҳукумат арконлари ва миллат аёнларининг ижтимои билан Кармина *волийси* Умартўра келиб тож ва тахт соҳиби бўлди. Ҳаким *қўшбеги* унинг амирлигига ҳам қарши бош кўтариб, хуфия мулозимларини юбориб, Қарши ҳокими Насруллох тўрани амир Умар дафи учун тарғиб ва ташвиқ қилди. Насруллох тўра Самарқанда бориб, Ҳаким *қўшбеги*нинг

⁸³³ Нурато – Навоий вилоятидаги Нурота туманидаги шаҳар. Шаҳар дастлаб X-асрда Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асарида “Нур” шаклида (шу ердаги машҳур “Нур” чашмаси номидан) тилга олинган.

⁸³⁴ Султонхўжа шайх ул-ислом “Адо” тахаллусида ижод қилган шоир ҳам эди (1834 й. вафот этган).

⁸³⁵ Милодий 1825 йил, 16 октябрь. Бироқ бу кун шанба бўлган.

⁸³⁶ Қўшбеги – қўш, ҳарбий лагернинг қўмондони. Бухоро амирлигида вазир даражасидаги амалдор.

⁸³⁷ Милодий 1826 йил, 21 декабрь.

тарафдорларидан бўлган у ернинг *волийси* билан Бухорога келиб, уни камал қилди. Бухоронинг бошқаруви ва тутуми Ҳаким *қўшбегининг* иқтидор муштида бўлганидан, қалъа қопқуларини Насруллоҳ сипоҳига очиб, амир Умарни тутиб биродари кўлига бермоқчи эди. Амир Умар хабардор бўлиб, қочиб одамлар назаридан яширинди. Насруллоҳ тўра дор ул-аморатга кириб, шаъбон ойи, 1243/1827 йил⁸³⁸ фармон бериш тахтига қарор топди. Амир Умар баъзи уламо шафоати билан амон қолиб, яширинган жойидан чиқиб, рухсат олиб Ҳиротга кетди. У ерда Комроншоҳ ибн Маҳмудшоҳ хузурида бир муддат истиқомат қилиб, Қундузга келди. Қундуз *волийси* Муҳаммадмуродбек *қатаган* уни эъзоз ва икромлар билан олқишлаб олиб, бир неча кун меҳмон қилди ва ундан Фарғонага келиб, Муҳаммадалихон ғозий қошида азиз ва муҳтарам яшади. У 1245/1829 йил⁸³⁹ вафот қилди. Хон амри билан унинг тобутини Бухорога олиб бориб, аждодлари мазорида, бобоси амир Дониёл қабри ёнида кўмдилар. Ундан бир фарзанд қолган эдики, ёшлигида ўлиб кетди.

Амир Насруллоҳ тахтга ўтирганида Ҳаким *қўшбеги* олдингидек вазири кабир мансабига кўйилди. Хиёнатни касб этган унинг табиати эркин ҳукумат юрғизишга одат қилганидан, амир Насруллоҳни ҳам бошқа амирлардек билиб, ҳукумат ишларида мутлақ ҳоким бўлишга интиларди. Амир Насруллоҳ хушёр бир жўнмард эди. У *қўшбегини* бу ҳаракатларидан манъ қилса, унга нисбатан акаларига қилган муомалани қилиб, бошқа бировни давлат тепасига қўярди. У тадбирнинг метин арқонидан ушлаб, зоҳиран ўзини ғафлатга солиб, *қўшбегига* муҳолиф бўлган сипоҳ улуғлари ва давлат мансабдорларини махфий равишда уни йўқ қилиш учун кўзғаб, Ҳаким *қўшбегини* орқадослари Исматуллоҳбек ва Аббосбеклар билан тутиб олиб қатл қилди. Ҳаким *қўшбеги* ўрнига Раҳмонберди Туркманни вазири кабир қилиб тайинлади. Ҳукумат бутунлай амир Насруллоҳга ўтди. Андак фурсат ўтмасдан ҳадиксираб юрган укаларини ҳам ўртадан кўтарди. Амир Насруллоҳ ҳақидаги маълумотлар қисқа тарзда ўз маҳалида келади, Худо хоҳласа.

1244/1828 йилнинг бошида⁸⁴⁰ Кошғар аҳолисидан кетма-кет хабарлар кела бошладики, Жаҳонгирхўжа даврида унинг сипоҳида бўлган мусулмонларга *хитойликлар* беандоза жавру зулм етказмоқдалар. Улар ватанларидан бош олиб кетмоқни ихтиёр қилганлар, бироқ ижозат ололмайдилар. Бу хабарни эшитишлари билан Фарғона уламоларининг ҳаммият томирлари ҳаракатга келиб, хони ғозийга Кошғар мусулмонлари аҳволини билгиздилар. «Ислом фармондорлари зиммаларида ситам кўрганлар фарёдларига етиш вазифаси вожиб қилиб қўйилган, бу дунё ва нариги дунёда уларнинг номлари эсланади ва буюк иш сифатида мукофотланади», деб арз қилдилар. Хони ғозий зудлик билан Ҳаққулибекка катта лашкар билан Кошғарга бориб, ул мазлумларни золимлар кўлидан халос қилиш учун фармон берди. Хони ҳумоюн фармонида биноан Ҳаққулибек *амири лашкар* ул томонга шошиб, давонлар ва оғир тоғ йўлларида ўтиб, Кошғарга етиб борди. Чин ҳукуматдорлари *хитойлик* чериги билан, дашт урушига чидамай қаршиликсиз Гулбоғ қалъасига кириб жойлашдилар. Ҳаққулибек бир неча ой қалъани камал ва қуршовда ушлаб турди. Оқибат чинийлар аҳволи танг бўлиб сулҳ ҳақида сўз бошладилар. Ҳаққулибек ҳам «сулҳ яхшироқдир»⁸⁴¹, деган ояти карима мазмунига амал қилиб, кўйидаги шартлар билан яраш бўлди: Ким Фарғона мамлакатига муҳожират қилмоқчи бўлса, тўсиқсиз молу мулки билан чиқиб кетиши мумкин; тижорат ишлари, борди-келди ишларни назорат қилиш учун Фарғона давлати томонидан Кошғар музофотида бир ҳукумат вакили тайинланади.

Ҳаққулибек бу ишлардан фароғат ҳосил қилганида, бу диёрнинг кўп мусулмонлари, кўчу қурон ва моллари билан хижратга ирода қилдилар. Улар лашкардан олдин Фарғона тарафига юборилди. Бу вилоятда бир вакилни барча ваколатлар билан қўйиб, соғ-саломат ғаниматлар билан қайтиб келдилар.

Шу аҳвол жараёнида *йузларнинг* сардорларидан Муҳаммадраҳимбек *оталиқ*, Исҳоқбек *парвоначи* ва Жабборқулибек Диззах қалъасидан чиқиб, ҳар бири озмунча сипоҳлари билан ўзларини замона қаҳрамонлари деб билиб, тез юриб тонгда Ўратепа қалъасига етиб келдилар. Уларнинг тарафдорларидан Солиҳ хўжа, уларнинг қасди ва режаларидан хабардор бўлиб туриб, бир неча орқадослари билан қалъа тепасида мунтазир турар эди. Уларни кўриб арқон ва таноблар билан *йуз* сардорларини қалъа ичига, уйларига олиб кирдилар. *Йуз* сардорлари шу манзилдан жанг нағорасини чалиб хуруж қилдилар. Ўратепа *волийси* Шоҳи *парвоначи* бундан хабар топиб, ўз сипоҳидан бир неча жангараларини танлаб, шу фавж билан босқинчилар йўлини тўсди. Қаттиқ уруш бўлди. Муҳаммадраҳимбек ва Жабборқулибек аксар сипоҳлари билан ҳалок бўлдилар, Исҳоқбек ва қолган

⁸³⁸ Милодий 1828 йилда шаъбон ойи 17 февральда бошланган.

⁸³⁹ Милодий 1829-1830 йил.

⁸⁴⁰ Милодий 1828 йил, 14 июнь йил бошлаган.

⁸⁴¹ Қуръони карим, 4:128.

аскар асир тушдилар. Асирлар мактуб билан бирга Хўқанд дор ул-аморатига юборилди. Исҳоқбек бошқалар билан андак ҳибсда туриб, озодлик хилъатини кийди. Бир шоир Раҳимбек *оталиқ* воқеаси муносибати билан таърих ёзмишдир:

Ба соли қатли он мағрури бадкирдор.
Забон ҳайф аст олоем ба гуфтор.
Ишорат қард қотил вақти куштан,
Сари «муфсид» сари «ғаддор» бардор⁸⁴².
[Ул мағрури бадкирдор қатлига,
Ҳайфдир тилни айтиши билан булғасак.
Қотил ўлдириш вақтида ишорат қилди:
Муфсид боши ва ғаддор сўзидан топ].

Шоҳи *парвоначи* бу хизмати учун *қўшбеги* мансаби билан тақдирланди.

Ҳаққулибек *амири лашкар* ҳам Кошғардан келиб қўлни ўпиш шарафига мушарраф бўлиб, шу сафарга унга ҳамроҳлик қилганлар билан бирга мардлик шартларини бажарганлари учун ҳол ва маратабаларига яраша хони ғозийнинг шоҳона марҳаматлар ва лутфлари билан сарафроз бўлдилар.

Бу орада Муҳаммадраҳимбек *оталиқ*нинг ўлиши воқеаси ҳамма жойга тарқалиб кетди. Фарғона сипаҳсолори Ҳаққулибек *қўшунбеги* ҳам *йузия* фирқасидан бўлганидан, томирида ғазаб ва асабият ҳаракатга келиб, қаттиқ ранжиб, Шоҳи *парвоначи*га хат ёздики, «шундай донгдор кишини шавкат паноҳ саройга тирик етказишинг лозим эди токи, басират арбоблари машварати ва олий ҳукмдорнинг қарори билан иши амалга ошсин. Шунча буюк ишни хони ҳумоюн рухсатисиз қандай далил билан қилишга журъат қилдинг?». Шоҳи *қўшунбеги* жавоб юбордики, жанг иссиғлигида илоҳий тақдир билан у ўлди. Исҳоқбек ва қолганларни тирик қўлга тушганлари боис дор ул-аморатга юбордик. Бу жиҳатда мени маъзур тутасиз. Оғзаки бу жавоб Ҳаққулибек дилига асар қилмади. У Шоҳибекка нисбатан ҳасад ва гина оловини ўз кўксига жойлаштириб, Шоҳибекка қарши бўлган баъзи ҳукуматдорлар билан иттифоқ тузиб, хийла ва макр билан уни хони ғозий илтифоти ва тарбияти назаридан четлаштирмоқчи бўлди. Бироқ отилган ҳар бир ўқи мурод мўлжалига етмасди. Қитъа:

Маяндаеш дар ҳақи мардум бади,
Ки ори бало бар сари хештан.
Набини, ки дар зери чоҳ афтад,
Зи баҳри касон гар канад чоҳкан.
[Одамлар ҳақиға ёмонлик истама,
Ўз бошингга балони келтирмагин.
Бошқалар йўлига қудуқ қовлаган,
Охири қовлаган чуқурига ўзи тушади].

Хон замири мунавваридаги Шоҳибекка нисбатан бўлган эътибор ва эътимодни сира ҳам ўзгартира олмай, оқибат ҳасад ва бахиллик бебурд Ҳаққулибекнинг разил қалбига йўл топиб, тарбият ҳаққига қарши бориб, ўз валинеъматига куфр келтириш йўлига қадам босди. У зимдан хони ғозийнинг укаси Султон Маҳмудбек номига бир қатор аҳли нифоқдан аҳд-паймон олиб, ғалаён ва исён учун бир кунни белгилади. Бу ваъда ва хуруж содир бўлишидан олдин улардан бир нафари воқеа суратини саройнинг яқинларидан бўлмиш Азимбой *додхоҳ*га маълум қилди. *Додхоҳ* эса бу хабардан Муҳаммадқули *парвоначини* огоҳ қилди ва улар биргалашиб хони ғозийга бу ахборотни етказдилар. Шу заҳоти Муҳаммадқули *парвоначи* катта фавж билан исёнчилар гуруҳини қўлга олиш учун тайин этилди. У бориб ўша айтилган жойдан нобакорларнинг бошлиғини бир қанча тарафдорлари билан тутиб олиб, ҳибс қилди. Қуръони карим сўзлари остида ёзилган аҳдногани, қўл қўйилган ва муҳр босилган тарзда топиб, исён ва ғалаённи исбот қиладиган бошқа аломат ва нарсалари билан саодат асар хон назарига фош ва арз қилдилар. Таҳқиқ ва тафтишлардан сўнг бу душманлик ва исён ўз исботини топди. Уламоий киром ва куззоти ислом ҳукми билан, замона нобакорлари ибрати учун уларни қатл қилдилар.

Ҳар он нокас ки бо мунъим ситезад,
Чунон афтад ки ҳаргиз барнахезад.
Агар бар қасди мавло бар кашад теғ,
Ба он ханжар қазо хунаш бирезад.
[Ҳар ул нокаским, валинеъматга қарши борса,

⁸⁴² “Ғаддор” сўзининг абжод ҳисобига “муфсид” сўзининг бош ҳарфи “мим” (40 рақами) қўшилса 1245/1829 йил чиқади.

Шундай йиқиладики, ҳаргиз туролмас.
Агарда мавлоси қасдига тиг тортса,
Ўшал ханжар билан қазо қонини тўкар].

Султон Маҳмудни (акаси Муҳаммадалихон) мулозимлари, молу нарсалар билан Шаҳрисабз тарафига юбориб, йиллик маошини шоҳона хазинасидан муайян қилган эди. Султон Маҳмудбек бу вилоятга бориб, Шаҳрисабз *волийси* Дониёлбек қизини хотинликка олиб, форигболлик билан бир муддат яшаб юрди. Унинг қолган зикри ўз жойида ёзилажак, иншооллоҳ. Баҳодурхўжа *парвоначи* ўшал воқеаларда нобакор исёнчиларга мансуб бўлса ҳам, айби исбот бўлмаганидан ўғли Лашкархўжа билан икки муқаддас шахрлар ҳажи учун юборилган эди. Баҳодурхўжа Бухорога келиб, амир Насруллоҳ баҳодурхон хизматини ихтиёр қилиб, июнь ва июль топган эди. Ҳақим тўрақим Самарқанд тарихини, мунтахабан Фарғона туркий тилида ёзган эди, Муҳаммадалихон тахтга чиқиш йилида, қайси бир исён ва фитнаси учун, унинг қариндошлиги ва ҳамнасаблигини инобатга олиб, уни кечириб фақат мамлакатдан чиқариб юборган эди. Чунончи бу ҳақда юқорида таҳрир арзига етган эди⁸⁴³. У Бухоройи фохира шахрида амир саройи олийси улуғлари қаторида жой олган эди. Ҳақимхон тўра Баҳдирхўжа иттифоқи билан, исён ва ғалаён оловини ёқиш билан машғул бўлиб, мамлакатнинг келинчаги бўлмиш Фарғонани Бухоро амири кўзида энг дилкаш тарзда жилвагар қилдилар. Атолиқбек ибн Олимхон, жанатмакон амир ал-муминийн ва-л-муслимийн Умархон даврида Қоратегинга кетиб, ул ҳудуднинг шоҳи қизиги уйланиб, у ердан Шаҳрисабзга келган эдики, бу ҳақда ўз жойида ёзилган эдик. Бу содда хонзодани ваъда ва мактублар билан авраб, Шаҳрисабздан Ҳисор тарафига олиб ўтиб, Бухоро амири уни молу давлат ва аскар билан таъминлаб бўлгач Қоратегин вилоятига олиб бордилар.

Ҳижрий 1250/1834 йили⁸⁴⁴ Кўлоб⁸⁴⁵, Қоратегин⁸⁴⁶ ва Дарвоз⁸⁴⁷ ҳокимлари Оталиқни куёв бўлгани учун ўзларига яқин тутиб, унга мадад бериш учун бирлашдилар. Улар сипоҳларини Фарғонанинг жанубий чегарасига яқинроқ жойда, Кўхистоннинг Ҳойит⁸⁴⁸ ва Сари пул⁸⁴⁹ деган мавзеда йиғдилар. Бу ходисаларнинг ахбори хони ғозийга маълум бўлгач, таваққуф қилмасдан Муҳаммадшариф *оталиқ*, Муҳаммадқули *парвоначи* ва Мирзо Раҳим *парвоначини* кўпсонли кучли лашкар билан тоғликларнинг дафи учун тайин этиб, топшириқлар берди. Улар ўшал томонга шошиб, уруш қилиб тоғликлар сипоҳи устидан ғалаба қилдилар. Кўлоб ва Дарвоз ҳокимлари ўз мулкларига қочиб кетдилар. Қоратегин *волийси* Атолиқбек билан бирга Бухоро томонига қочиб боришди. Бу фитнадан мақсад ҳосил бўлмагач Баҳодирхўжа Ҳижоз сафарига чиқиб кетди. Фарғона амирлари Қоратегин вилоятини барча тобе ерлари билан қўлга киритиб, Муҳаммадқули *парвоначини волий* тайинлаб, катта сипоҳни бу ерда қолдириб, фатҳу нусрат билан қайтиб, Хўқандда ўз валинеъматлари гиламини ўпиш шарафига мушарраф бўлиб, мартаба ва мақомларига яраша илтифот ва навозишларга эга бўлдилар.

Ҳижрий 1251/1835 йили жумода-л-увла ойида⁸⁵⁰ Муҳаммадқули *парвоначини* Наманган *волийси* тайинлаб, унинг ўрнига Мирзо Раҳим парвовначи Қоратегин ҳукуматида кўйилди. Бир муддатдан сўнг 1253 хижрий йили⁸⁵¹ Шоҳи *парвоначи* Ўратепадан Қоратегин *волийлигига* ўтди.

Бу орада Бухоро амири амир Насруллоҳ баҳодирхон бир неча топқир Шаҳрисабзга лашкар тортиб, икки томондан ҳам кўп одамлар ўлдирилгач, зафар топмай қайтиб келди. Бундай омадсизликни амирларнинг билмаганлиги ва тажрибасизликларидан деб, билиб амир улуғ амирларидан Қарши *волийси* Аёзбий, Самарқанд *волийси* Шуқурбий ва бошқа сипоҳ сардорларини маҳбус, кейин қатл қилди. Шундан кейин лашкарининг тарбияти ва танзими билан машғул бўлди. Бу фикрларини вазири Раҳмонберди туркманга айтди. Вазир хўжайини фикрини маъқуллаб, арз қилдики мен бандага биров фурсат бериш лозим. Шошилини билан бу ишларни қилиш мумкин эмас. Хаёлни амалга ошириш учун бир йўлни излашим керак. Бухоро амири унинг сўзларини маъқуллаб, бу ташаббусларни амалга оширишни унинг зиммасига қўйди.

⁸⁴³ Ҳақимхон, унинг асари, ҳаёти ва тақдири ҳақида қаранг: Муҳаммадҳақимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих. Форс-тожик тилидан таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 720 б. (Кириш. – Б. 3-18). Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 158-190.

⁸⁴⁴ Милодий 1834–1835 йили.

⁸⁴⁵ Кўлоб – ҳозир Тожикистоннинг Кўлоб вилояти маркази.

⁸⁴⁶ Қоратегин – Ҳисор тизмасининг жанубий тармоғида, Душанбе шахрининг шимол-шарқида жойлашган ҳудуд.

⁸⁴⁷ Дарвоз – Помирнинг ғарбий қисмидаги Обихингов, Панж ва Ванч (Панж ҳавзаси) дарёлари оралиғида жойлашган ҳудуд маркази. Ҳозир ноҳия маркази.

⁸⁴⁸ Ҳойит – Тожикистондаги Фарм туманининг маркази.

⁸⁴⁹ Сари пул – Ҳойит қишлоғи яқинидаги жой номи.

⁸⁵⁰ Милодий 1835 йилда бу ой 25 августда кирган.

⁸⁵¹ Милодий 1837–1838 йили.

Иттифоқо шу вақтда Абдусамад сардор Эронийким Аббос мирзо⁸⁵² хузуридан қочиб Ҳиндистонга борган эди ва у ердан амир Дўст Муҳаммадхон⁸⁵³ олдиға келиб, лашкари сардори бўлиб, Санг марра жангида амир Дўст Муҳаммадхон соҳиб билан бирга бўлган эди, Афғонистон амиридан ҳадиксираб, хизматидан воз кечиб Бухороға келган эди. Бухоро вазири кабири Раҳмонберди Туркман унинг келишидан хабардор бўлиб, олдиға чақирди ва амирнинг марҳаматли назаридан ўтказиб, манзур ва мақбул бўлди. Давлат *нойиб*, пиёда лашкарнинг амири ва *тўпчи* этиб тайинланди. Бухоро ва унинг атрофида яшаётган афғон, эронлик ва бадахшонийлардан Абдусамад *нойиб* кўрсатмасиға биноан бир нечта пиёда фавж тузиб, номини *сарбоз* (лар) деб аташди. Бу дасталарнинг тутуми ва ихтиёри Абдусамад *сардор* зиммасиға берилди. У пиёда ва *сарбоз* аскарларининг тарбияти ва таълимида ҳадд ал-имкон саъй қилиб, тўп ва милтиқни эрон ва афғонларға ўхшаб омада қилди, аскария иши олдинги вақтдан анча янги қоидалар билан ораста бўлди.

Бу ишларни бажаргандан кейин 1253 ҳижрий йили⁸⁵⁴ Афғонистон амири Шужоъ ал-мулк⁸⁵⁵ ибн Темуршоҳ⁸⁵⁶ билан бўлаётган қаршиликда банд бўлишидан фойдаланиб, Бухоро амири Насруллоҳ Бадирхон (Афғонистон) Туркистони ва Балхни эгаллаш учун катта сипоҳ ва сарбозлари билан Жайхун (Аму) дарёсидан ўтди. Балх *волийси* Солиххўжа, Мазори шариф⁸⁵⁷ ҳокими Зулфиқор ва Шибирғон⁸⁵⁸ ҳукмдори Шужоъ ад-дин қаршиликка куч-қудрат тополмай ҳадия ва тухфалар билан келиб, хизмат қилдилар. Балх ва унинг тобе ерлари босиб олингач Солиххўжа, Зулфиқор, Шужоъ ад-дин ва шу билоднинг баъзи улуғларини бандий қилиб, уларнинг молу мулки тортиб олинди. Амир ўз томонидан бу вилоятға бир *волий* тайинлаб Бухороға қайтди.

Ҳижрий 1254 йили⁸⁵⁹ *афғония* миллатининг иттифоқсизлигидан Афғонистон амирлиги инглиз томонидан истило топиб, амир Дўст Муҳаммадхон амирзодалар, шужоатшиор сардорлари ва вафодор хизматчилари билан *Афғон* Туркистонидан чиқиб келаётганда Хулм ва Қундуз⁸⁶⁰ вилоятларда ҳам қўним топгандилар. Хулм *волийси* Муҳаммад Аминбек, Қундуз ҳокими Муҳаммадмуродбек *қатаган* одамгарчилик юзасидан, яхшилик ва садоқат кўрсатиб, ҳаддалимкон розилик тилаб, шойиста хизматлар қилдилар. Ўша кунлар шундай азиз меҳмонни эҳтиром қилиб, ўзларидан яхши ном қолдирдилар. Қитъа:

Касе чун шуд ба номи нек машхур,
Пас аз маргаш бузургон зинда донанд.
Вале онро ки бадхулқ асту бадном,
Агарчи зинда бошад мурда донанд.

⁸⁵² Аббос мирзо – Фатҳалишоҳнинг валлиаҳд ўғли Аббос Мирзо ноиб ас-салтана кўзда тутилмоқда. Аббос Мирзо 1787 йил туғилган, 11 ёшида валиаҳд сифатида Озарбайжон ҳукмдори бўлган. Рус-Эрон урушида армияға қўмондонлик қилган Аббос Мирзо 1828 йилги сулҳдан сўнг Хуросонға генерал-губернатор этиб тайинланган эди. У отасидан бир йил олдин, яъни, ҳижрий 1249 (1834) йили вафот этиб, унинг ўғли Муҳаммадмирзо эса Фатҳалишоҳнинг валлиаҳди этиб тайинланади.

⁸⁵³ Амир Дўст Муҳаммадхон – (1790, бошқа маълумотларға қараганда 23.12.1793 – 9.6.1863, Ҳирот), афғонлар амири (1834 йилдан). Пояндахоннинг ўн иккинчи ўғли. 1818 йили Дурронийлар давлатининг қуллаши натижасида 1826–1827 йилдан Кобул ва Ғазна вилоятларини бошқарган. 1834 йили ўзини амир деб эълон қилади ва баракзайлар сулоласи ҳукмронлигига асос солади. Унинг мамлакатни бирлаштириш учун олиб борган кураши Буюк Британия қаршилигига дуч келади. Бир муддат Бухоро ва Шаҳрисабзда яшади. 1838 йили Англия Афғонистонға хужум қилади. 1840 йили Дўстмуҳаммад асирға олинди ва Ҳиндистонға бадарға этилди. 1842 йили урушда мағлуб бўлган инглизлар Дўст Муҳаммадни озод қилишға мажбур бўлдилар. Афғонистонға қайтгач, Дўстмуҳаммад 1855-1863 йиллар давомида Қандаҳор, Шарқий Сейистон, Ҳирот ва Амударёнинг чап соҳилларидаги ерларни босиб олди.

⁸⁵⁴ Милодий 1837–1838 йили.

⁸⁵⁵ Шужоъ ал-мулк (? – 1842 й. 5 нчи апрель) – Афғонистон шоҳи (1803–1809, 1839-1842). Акаси Маҳмудшоҳни тахтдан ағдариб ҳокимиятни эгаллаган, лекин 1809 й. Маҳмудшоҳ томонидан тахтдан туширилган. Шужоъ ал-мулкнинг тахтини қайтариб олиш учун қилган бир неча бор уринишлари (шу жумладан, 1833–1834 йилларда инглизлар ёрдамида) натижасиз тугаган. Биринчи инглиз-афғон уруши даври (1838–1842)да инглизлар Шужо ал-мулкни афғон тахтиға ўтказганлар. Мухолифатдаги гуруҳлардан бириға мансуб шахс томонидан хоин сифатида ўлдирилган.

⁸⁵⁶ Темуршоҳ – Темуршоҳ ибн Аҳмадшоҳ – Аҳмадшоҳ Дурроний (1721-1773)нинг ўғли. Дурронийлар давлатини отасидан кейин 1793 йилгача бошқарди.

⁸⁵⁷ Мазори шариф – Афғонистоннинг Балх вилояти маркази.

⁸⁵⁸ Шибирғон/Шибурғон – Афғонистоннинг Жузжон вилояти маркази. Балхнинг ғарб тарафида, Мозори шариф билан Андхуд/Андхой ўртасида жойлашган қадимий шаҳар бўлган.

⁸⁵⁹ Милодий 1838 йили.

⁸⁶⁰ Хулм ва Қундуз – Хулм – ўрта асрларда Тохаристонға тобе бўлган қадимий шаҳар. Балхнинг шарқий тарафида, Амударёдан 6 фарсах нарида, Ҳиндукуш тоғидан оқиб келадиган Хулм сойи бўйида жойлашган. XVIII асрда Хулмнинг жанубий-шарқида Тошқўрғон шаҳриға асос солинган, у Ҳиндистондан Бухороға келадиган савдо йўлида муҳим аҳамиятға эга бўлган. Кейинчалик Хулм аста-секин таназзулга учраб, XIX асрнинг иккинчи ярмида ташландиқ ҳолға келган. Қундуз – Афғонистоннинг шу номдаги вилоятнинг маркази.

[Яхши ном билан машҳур бўлган киши,
Ўлимидан кейин ҳам тирикдир.
Вале бадхулқ ва бадном киши,
Агарчи тирикдир, аслида ўликдир].

Бу муқаддимани ёзишдан мақсад уларнинг тавсиф ва мақташи эмас, балки бу ёзишма ўқувчи ва эшитувчи учун танбиҳ ва ибрати учундир. Шу вақтда амир Насруллоҳ баҳодирхон *Афгон* амирини Бухорога қўшни ерларга ташриф буюрганини эшитиб, ўз яқинларини элчилик тариқасида юбориб, ёқимли ваъдалар билан меҳмонга даъват қилди. Афғонистон амира бу илтимосларни қабул қилиб, баъзи аҳли хонадони, ходимлари ва молу жиҳозини шу вилоятда қолдириб, амирзодалар ва сардорлар билан, бир даста мулозимларини олиб Бухоро дор ул-аморати сари йўлга чиқди. Амир Насруллоҳ амри билан сипоҳ ва раият улуғларидан бир неча киши бир манзилгача истиқболга чиқдилар ва амир Дўст Муҳаммадни саройга олиб келдилар. Амир, амирзодалар ва сардорлар амир Насруллоҳ хузурига кирганларида, икки тарафдан ҳам салом алейк расми амалга оширилди. Амир Насруллоҳ амир Дўст Муҳаммадхон ҳурмати учун жойидан турмай, ўтирган ҳолда қўл бериб сўрашди. Бу муомала амир Дўст Муҳаммадхон қалбига оғир ботган бўлса ҳам, сир бой бермай тухфалар қаторида олиб келган бир отни амир назаридан ўтказиб, амир саройи мутасаддийларига бериб юборди. Қисқа суҳбатдан кейин Бухоро амира амри билан бу азиз меҳмон учун тайёрланган манзилга бордилар.

Бир неча кундан сўнг амир Насруллоҳ амир Дўст Муҳаммадхонга дарак бердики, Афғонистондан олиб келинган барча сардор ва мулозимлар, зарур ишларни бажариш учун бир неча хизматчилардан ташқари, бизнинг саройимиз хизматида берилсин. Бошни қотирадиган бу таклифлардан Афғонистон амира ўзини таҳқирланган ва пастга урилган деб, билиб жавоб бердики, бу мусофир ул жаноб даъватида биноан меҳмон тариқасида келганман. Мен билан келган сардор ва мулозимлар менга ҳамроҳлик қилиш учун келган ва ажралишни хоҳламайдилар. Мен амри олийни кутиб турибман, рухсат берсалар қайтиб кетаман. Бу жавобдан амира Бухоро табиатида қасд олиш ғубори пайдо бўлиб, амир Дўст Муҳаммадхон берган тухфаларни от билан бирга қайтариб юборди. Амир Дўст Муҳаммад Бухоро амирага ёздики, байтуллоҳ сафарига ният қилдим, эҳсон дарстурхоларидан татиган нону намакларига рози бўлиб, рухсат берсинлар, кетайин. Бухоро амира бундан воқиф бўлиб, ижозат бериб бир неча ишончили кишилари ва сарҳанглари бир талай лашкар билан уларни кузатиб қўйиш учун тайинлади. Амир Дўст Муҳаммадхон сардор ва мулозимлари билан бирга Балх сари равона бўлди. Жайхун (Аму) дарёси соҳилига етиб келганида қараса маллоҳлар эски ва тешиқ қайиқларни олиб келибдилар. Амир улардан бошқа қайиқ талаб қилди. Маллоҳлар «бундан ташқари қайиқ йўқ», деб жавоб бердилар. Кемасиз дарёни кечиш ўтиш мумкин эмаслигидан, амир ноилож шу қайиққа чиқмоқчи эди. Бухоронинг бир *сарҳанги* ва маъмури кемачиларга туркий тилда бир неча топшириқлар бера бошлади. Амир Дўст Муҳаммадхон мулозимлари ичида икки-уч нафар туркийдон бор эди. Улар Бухоро маъмурлари ва маллоҳнинг қасди ва ниятларидан амирни огоҳлантирдилар. Амир Дўст Муҳаммадхон бошқа йўллар ҳам унга ёпиб қўйилганини билди. Боришдан воз кечиш, ночор Бухорога қайтди. Тўра хўжа *нақиб* ҳовлисига келиб қўнди. Эртаси амир Насруллоҳ бир эътимодли маъмури орқали яна дарак бердики, амир Дўст Муҳаммадхон мулозимларига жавоб берсин, олдида икки-уч нафардан ортиқ хизматкор тутмасин. Амир Дўст Муҳаммадхон ва хизматкорларию мулозимлари ўртасида ноилож ва ногузир айрилиш юз берди. Улар йиғи-сиғи билан валинеъматлари билан видолашиб, ҳар ён ва теваракка тарқалиб, сарсон-саргардон бўлиб кетдилар. Афғонистон амирининг маоши ва аҳволи янада тангроқ бўлиб, амир Насруллоҳдан Шаҳрисабзга кетиш учун ижозат сўради, аммо розилик берилмади.

Дўст Муҳаммадхоннинг фарзандлари, куёвлари, ака-укалари, ҳамда тарқатилган эллик нафар мулозимлар Бухорода мардикорлик ва ҳунармандчилик қилардилар. Улар машварат ва маслаҳат қилиб, бир кишини йўлбошчилик учун кира қилиб, Шаҳрисабз тарафига қочдилар. Қарши тобелигидан ўтаётган вақтда йўл посбонлари улардан сафар ижозатини сўрадилар. Бунга аҳамият бермай йўлни давом этганларида посбонлар йўлларини тўсиб, бахслашиш ва мунозорани бошладилар. Иш мураса ва мадора чегарасидан ўтиб, уруш ва тортишув билан тугади. Бир вақт хабар топган Қарши ҳокими етиб келиб, Бухоро сипоҳига қўшилди. Бу воқеадан Чирокчи⁸⁶¹ ҳокими ҳам хабардор бўлиб, бухороликларга келиб мадад бера бошлади. *Афгон* сардорзодаларидан икки киши ва бир неча мулозимлари ўлдирилди. Амирзодалардан Акбархон, Сардор Аҳмадхон ва бошқа раҳбарлар турли даражада захмдор бўлдилар. Мулозимлари ҳам қаттиқ жароҳатланган эдилар. Бухороликлардан ҳам кўп киши ўлдирилиб, захмдор қилинди. Бухороликлар афғонлардан бир неча қарра кўп бўлганларидан оқибат ғалаба қилиб, амирзода ва сардорларни мулозимлари ва йўлдошлари

⁸⁶¹ Чирокчи – бугун Қашқадарё вилояти Чирокчи туманидаги шаҳар (1980 й. дан), туман маркази.

билан бирга беҳурмат қилиб тутиб олиб, асир ҳолида қўриқчи ва посбонлар билан Бухоро амири ҳузурига юбордилар. Айни қиш совуқ ва аёзлиги пайтда уларни минг заҳмат ва машаққат билан Бухорога олиб келдилар. Бу азизлар аҳволини кулфат ва хорликда кўрган мардум беихтиёр зор-зор йиғлардилар. Муаккиллар уларни Регистонга, яъни амирлик дарвозаси олдига олиб келиб, Бухоро амири фармониغا мунтазир бўлиб турдилар. Бухоро амири олдидан бир маъмур чиқиб мулозим ва хизматкорларга жавоб бериб, уларни тарқатиб юборди. Амирзодаларни ўзи билан олиб, оталари амир Дўст Муҳаммадхон ҳузурига олиб келди.

Афғонистон амири фарзандларини шул аҳвол ва кўринишда кўриб, меҳр ва раҳм юзасидан дийдасидан ёш равона бўлди. Бу воқедан кейин амир Дўст Муҳаммадхон ва баъзи амирзодалар билан сардорларни Бухорода маътал ва маҳбус шаклида қолдирилиб, бошқа сардор ва хизматчиларни Бухородан Хулм ва Туркистон томонига чиқариб юбордилар.

Хулоса шуки, амир Дўст Муҳаммадхон замона гардишидан Бухорога келиб тушиб, кўп жавру жафолар тортиб, охир ул-амр «тоқат қилмаганда қочиш пайғамбар суннатиға мос» деганларидек, хийла ишлатиб бир хизматкори ва бир йўлбошчи билан дарвишлар қиёфасига кириб, Бухородан Шаҳрисабзга равона бўлишди. Йўлда бир карвонга қўшилиб, соғ-саломат Шаҳрисабзга етиб боришди. Бир илож қилиб шу шаҳарда истиқомат қилаётган Кабирхон *афгон* тожир уйига кириб бордилар. Кабирхон тижорат ишлари билан кетган, уйда йўқ эди. Уйига қайтиб келганда, азиз меҳмонни кўриб, уни танигани билан оёғига ўзини ташлаб, соҳиби ва сарвари оёқини ўпмоқчи эди. Аммо амир Дўст Муҳаммадхон хушхулқ ва тавозели киши бўлганидан, Кабирхонни ердан кўтариб уни кўксига босиб, қўл бериб кўришиш билан сарафроз этди. Ул садоқатли киши шодмонлиги камолидан йиғлашга тушиб, ором топа олмасди. Амир соҳиб ҳам ўзини тиймасдан кўнгли бўшлиқ қилиб, кўз ёшлари оқиб соқолига тушар эди. Ором ва тинчлангандан кейин Кабирхон хизматга бел боғлаб, нафис ва покиза дастурхон тўшаб, лазиз таомлардан бир неча хилини кўйиб, одоб ва ризолик топиш билан мулозиматга турди. Амир соҳиб Кабирхонни таомга даъват қилиб, унинг кадри ва манзалатини кўтариб бирга ўтириб сўхбат қуришга даъват қилди. Амир соҳибга шоҳона кийимлар олиб келиб, арз қилдики агар олий саркор йўл азоби ва чангидан покланиб фароғат топмоқчи бўлсалар, лутф ва карамларини дариг тутмасинлар. Амир соҳиб сафар ғуборини ғусл ва таҳорат билан тозалаб, тоза хилъат ва либосларни кийиб, янги ва рангин гиламлар ва тўшаклар билан зебзийнат берган меҳмонхонага хиром айлади. Шом ва хуфтон намозини ўқиб, амир соҳиб ўзи учун тайёрланган тўшакда ётиб тинч истироҳат қилди.

Эртаси тонгда бомдод намозини ўқиб, чоштлик қилгандан сўнг Шаҳрисабз ҳокими Дониёлбек билан мулоқот қилиш учун кетди. Дониёлбек амир Дўст Муҳаммадхон қадамини муборак деб билиб, иззат ва эҳтироми учун туриб қўл бериб, кейин бағрига босиб кўришди, таъзим ва тавозе расмини бажо келтирди. Амир соҳибга тахти бошидан жой бериб, меҳмондорлик расми ва кўнгил сўраш шартларини жой-жойида бажарди. Шаҳрисабзда муқим бўлган улуғлардан Султон Маҳмудбек ибн Фарғона ҳукмдори амир ал-муслимийн Умархон, саййидлик паноҳи Ҳакимхўжа, Хўжа *парвоначилар*ни шу мажлисга даъват қилиб, амир соҳиб билан таништирди. Мажлис охирида амир учун янги манзил ва жой тайин бўлди ва амир соҳибни у ерга туширдилар. Амир Дўст Муҳаммадхон Шаҳрисабзда истиқомат қилган даврида ҳар куни улуғлар томонидан даъват қилиниб, буюк тантана ва зиёфатлар ташкил қилардилар. Бир муддат Шаҳрисабзда фароғат ва ҳурмат билан яшаб, амир соҳиб Туркистон ва Хулм сафарини истаб, Дониёлбекни бундан хабардор қилишди. Дониёлбек сафар учун зарур ва лозим бўладиган барча нарсаларни тайёр қилиб, амир соҳиб турган манзилга келиб, яна бирор нарса керак эмаслигини сўради. Султон Маҳмудхон, Хўжақули *парвоначи*, саййид Ҳакимхўжа ва бошқа зодагонлар бир манзилгача бирга бориб, видолашув маросимини бажо келтирдилар. Амир Дўст Муҳаммадхон Бухорода бўлган фарзандлари амирзодалар Акбархон ва Сардор Аҳмадхонларга ёрдам беришни Дониёлбек ва бошқа сардорлардан илтимос қилиб, йўлга чиқди. Соғ-саломат ва фирузлик билан Хулмга етганида, *волий* Муҳаммадаминбек хабардор бўлиб, кутиб олишга чиқди ва ҳукумат қасрига олиб келиб туширди. Муҳаммадаминбек *волий* олдингидан ҳам кўпроқ жўнмардлик ва жонсипорликка саъй ва ҳаракат қилди. Амир соҳиб хурсанд бўлиб, саломат бу вилоятда кўним топганидан Шаҳрисабз *волий*си ва бошқа дўстларини хабардор этди. Бухорода ранж ва азоб чекиб юрган амирзода Акбархон ва Сардор Аҳмадхон, охир ул-амр Шаҳрисабзга қочиб келдилар ва бу ердан Хулм ва Кобул тарафига ўтиб кетдилар.

Камина бу авроқнинг муаллифи амири Бухоро воқеалари ва тарихини баён қилиш жараёнида мусофират ва муҳожирати вақтларида содир бўлган Афғонистон амири Дўст Муҳаммадхон саргузаштларини ҳам қисқа ва мухтасар ёздим. Энди асосий мақсад бўлмиш Фарғона хонларининг ўтмиши ва аҳволларининг баёнидан қолиб кетмайлик. Бироқ азиз ўқувчилар бу воқеалар тафсилоти

ва таҳқиқотини хоҳласар «Мустафод ал-ахбор фи аҳвол ал-Қазон ва-л-Булғор» асарининг 187 чи саҳифасига мурожаат қилсинлар. Бу асарнинг муаллифи ҳозирги уламоларнинг сараси Шаҳоб ад-дин ибн Баҳо ад-дин ал-Маржоний⁸⁶² бўлиб, уни ҳижрий 1303 йили, муҳаррам ойида⁸⁶³ ёзиб битган.

Шу орада «Мунтахабут-таворих»и туркий асарининг муаллифи Ҳаким тўра ва баъзи бошқа кишиларким, фитна ва исёнлари натижасида Фарғонадан қочиб Бухорога бориб амир Насруллоҳ Баҳодирхон саройида обрў топган эдилар иғво ва тутқулари билан Атолиқбек ибн Олимхонга амир Насруллоҳ қўшини билан мадад ва ёрдам бериб, уни Кўлоб ва Дарвоздан Фарғона салтанатини даъво қилиши учун юбордилар. Атолиқбек Кўлобга кетди. У ернинг *волийси* Атолиқбек ишида у билан ҳамдостон бўлди. Қоратегин ҳокими Шоҳи *парвоначи* бу ваҳимали хабардан Фарғона ҳукмрони Муҳаммадалихон ғозийни хабардор қилди. Бу фитнани даф қилиш учун Ғуломшоҳ *қўшунбеги* Бадахшонийким, Бекларбек номи билан машҳур ва маъруф эди, номзод бўлиб, катта лашкар билан Қоратегин худудига шошилишч юборилди. Дарвоз *волийси* хонзода Атолиқ ва Кўлоб ҳокимига ўз кўшинлари билан бориб, қўшилишни истаб, биргаликда Фарғона лашкарига қарши чикмоқчи бўлганида, Фарғона лашкарининг сардорлари ва амирлари олдинроқ ҳаракат қилиб Кўлоб ва Дарвоз ўртасидаги тоғ йўли кўним жойи (бандари)ни тўсиб, уларни биргалашишга қўймадилар. Шоҳи *парвоначи* Дарвоз ва Бекларбеги лашкари Кўлоб фатҳига ҳаракат қилдилар. Отолиқбек Кўлобдан қайта Бухоро худудига қочиб кетди.

Кўлоб ва Дарвоз ҳокимлари қаршиликка журъат қилмай, итоат ва таслим бўлишларини билдирдилар. Фарғона амирлари Кўлобда Довулбекни ўз жойида қолдириб, ўғли Каттабекни қизи билан бирга ва Кўлобнинг баъзи улуғларини Фарғонага юбордилар. Дарвоз *волийси* Маҳмудшоҳни ҳукуматдан олиб, ўрнига акаларидан бирини тайинлаб Маҳмудшоҳни бола-чақалари ва тобелари, ашрофлари билан бирга олиб Кўлоб ва Дарвоз тоғли худудларини Шоҳи *парвоначи* итоати ва тахти фармонида бериб соғ-саломат ва ғаниматлар билан Фарғона томонига йўл олдилар. Хўқанд давлатхонасига етиб келиб, кўриниш ва олий остонани ўпиш шарафига мушарраф бўлиб, Ғуломшоҳ *қўшунбеги* Бадахшонийга шарафли «Лашкар Бекларбеги» номини, Шоҳи *парвоначи*га эса «Шоҳибекни номвар» (Номдор Шоҳибек) деган фахрли номларни бердилар.

Маҳмудшоҳ Дарвозий йўлда вафот этгани учун, унинг фарзандлари ва аҳли оиласини барча Кўлоб ва Дарвоз ақибчилари билан бирга Хўқанд давлатхонасидан жой берган эдилар. Уларнинг маошлари учун вазифа ва маблағ ажратдилар. Кўлоб *волийсининг* қутлуғ юлдузли қизини, Марғинон *волийси* хонзодаи ақрам Муҳаммадаминхон никоҳига киргиздилар.

Бу воқеалар давомида Бухоро амири Насруллоҳ Баҳодирхон Шаҳрисабз *волийси* Дониёлбекдан Дўст Муҳаммадхон ва унинг фарзандларига иззат ва ҳурмат, одамгарчилик кўрсатганидан ранжиб, лашкар тортиб, Шаҳрисабзни босиб олиш учун тайёргарлик кўра бошлади. Бу даҳшатга солувчи хабардан Дониёлбек хабардор бўлиб, қалъа ва истехкомларнинг таъмири, лашкар йиғиш ва уни тарбияси ҳамда ўқ-дори йиғишга киришди. У Худованди оламдан бу балони қандай йўқ қилишни сўраб дуолар қилиб, қандай хийла ва тадбир билан бу хавфу хатардар халос бўлиш фикр ва зикрида эди.

Шу орада хонзода Султон Маҳмудбек ибн Умархон, Муҳаммадалихон ғозийнинг укаси Фарғона сипаҳсолори Ҳаққулибек фитна ва исёнида иштирок этгани боис Шаҳрисабз тарафига чиқариб, юборилган эди. Шаҳрисабз ҳокими Дониёлбек қизига уйланиб, бу ерда муқим тургани ўз

⁸⁶² Маржоний Шаҳобиддин – Шаҳобиддин ибн Баҳоуддин ибн Субҳон ибн Абдул Карим ал-Маржоний. (1818, Қозон ш. яқинидаги Япончи қишлоғи, Қозон, 1889) - йирик маърифатпарвар ва файласуф, тарихчи ва илоҳиётчи олим, татар халқи илмий тарихининг асосчиси. 1838-43, 1845-49 йилларда Маржоний “Кўкалдош” ва “Мир Араб”, 1843-45 йилларда Самарқанддаги “Шердор” мадрасаларида ўқиди ва дарс берди. С.Айнийнинг ёзишича, амир Насруллоҳнинг таъқибидан сўнг қисқа муддат Самарқандда яшади. У Бухоро ва Самарқандда араб ва форс тилларини пухта ўрганди, шарқ фалсафаси ва тарихи билан чуқур танишди, математика ва астрономия билан шуғулланди. У “Кўкалдош” мадрасасининг бой кутубхонасидан унумли фойдаланди. Маржоний Бухорода олим сифатида шаклланди ва Курсавий илмий мероси билан танишди. У Курсавийнинг исломдаги ислоҳотчилик фаолиятини давом эттириб, Бухоро мадрасаларидаги ўрта асрларга хос ўқув тизимини танқид қилди, Аҳмад Дониш билан ҳамкорликда маърифатпарварлик ғояларини тарқатишда жонбозлик кўрсатди. Маржоний Бухорода “Мовароуннаҳр машҳур уламоларининг аҳволи ва ишлари” ҳамда Курсавийнинг Бухородаги фаолияти ва маҳаллий ҳокимият билан мураккаб муносабати тўғрисидаги асарини ёзди. Туркистон тарихи ва географиясига оид кўплаб асарлари мавжуд, хусусан, унинг X-XII асрларда Мовароуннаҳр хонақолари ва тасаввуфнинг аҳволи, Туркистондан етишиб чиққан буюк алломалар ҳақидаги тадқиқотлари диққатга сазовор.

1850 йилда Қозонда катта Жомеъ масжиди имоми, 1867 йилда муҳтасиби этиб тайинланди. Айни пайтда Қозон татар ўқитувчилари мактабида дарс берди (1876-1884). Қозон университети ҳузуридаги Археология, тарих, этнография жамияти аъзоси бўлган дастлабки мусулмон олимларидан. Маржоний ўзининг фалсафа ва илоҳиётга оид асарларида диний ислоҳотчилик ва маърифатпарварлик ғояларини ривожлантирди. 30 дан ортиқ йирик асарлар, жумладан 7 жилдли “Вафийат ал-аслаф ва тахийат ал-ахлаф”, 2 жилдли “Мустафод ал-ахбор фи аҳвали Қозон ва Булғор” асарларининг муаллифи.

⁸⁶³ Милодий 1885 йил, 10 октябрь – 9 ноябрь.

махаллида зикр қилинган эди. Ҳижрий 1254 йили, шавол ойида⁸⁶⁴ Фарғона давлатининг баъзи муфсид ва намакхаром амирларидан бўлмиш Муҳаммадшариф *оталиқ қурама*⁸⁶⁵, акаси Абдували *додхоҳ* Зомин қалъасининг ҳоқими, амакиваччаси Муҳаммад Иброҳим *парвоначи*, Нав қалъасининг ҳоқими Маҳмудхўжа *додхоҳ* ибн Худоёрбек *девонбеги* Хулика *йуз*, Шоди *эшикоғобоши*⁸⁶⁶ *тожик*, Абдурахмон *митан*⁸⁶⁷ бий ва номларини келтириши чўзиб кетадиган бошқа маъмурлар Султон Маҳмудбек номига мактуб ва номлар юбориб уни Фарғонага даъват қилиб, акаси билан жанг қилишга тарғиб қилардилар. Хонзодага итоат қилиш ва душманлари билан курашишда ёрдам беришларини ваъда бериб, уни авраб қосид ва чопарлар ҳам юборардилар.

Султон Маҳмудбек жойни хилват топиб бир куни бу мактуб ва асрорлардан қайинотаси Шаҳрисабз *волийси* Дониёлбекни хабардор қилиб, машварат ва маслаҳат сўради. Дониёлбек бу хабарларни эшитиб чеҳраси очилиб, бу ҳодисаларни ўзининг бахтиёрлик аломати деб билди ва бундан ўз манфаатида фойдаланмоқчи бўлиб, дарров бир котибни ҳузурига чақириб, латиф бир мактубни Султон Маҳмудбек номидан Бухоро амирига ёздирди. Уни таъзим ва мақтовлар билан тўлдириб, Фарғона мамлакатига ворислик ҳақи борлигини, уни қайтариб олганда итоат ва тобеликни бўйнига олишини матлаб ва муроди қилиб таҳрири ришталарига тортди. Мактубни Фарғона давлатининг мунофиқ амирлари хатлари билан бирга, шоҳона ҳадия ва тухфалар билан бир суҳандон элчи орқали равона қилдилар. Элчи Бухоро амирлиги пойтахтига етиб бориб, элчилик расмини балоғат билан бажарди. Бу шодиёна хабардан амир Насруллоҳхон замирида қувонч юз бериб, тўхтатмай «Мунтахабут-таворих»и туркий асарининг муаллифи Ҳакимтўраниким, шундай инқилобларни қидириб юргувчиси эди, муҳаббат ва ваъдалар билан тўла хат жавобини бериб, қимматбаҳо тухфалар билан элчига қўшиб Шаҳрисабзга жўнатди.

Мавсуф Ҳакимтўра Шаҳрисабз *волийси* Дониёлбек ва Султон Маҳмудбек олдиларига келиб, Бухоро амири марҳаматномасини етказди. Хуллас калом, бу орада ваъда ва ворислик масаласида бир неча борди-келдилар ва ёзишмалар бўлиб, охири шундай қарорга келиндики, амир Насруллоҳхон Урметанни барча тобеоти билан Султон Маҳмудбекка беради ва бунга иловатан қарор қиладики, Фарғона мамлакатидан қўлга киритилажак барча бойлик Султон Муродбекка берилади. Агарда Султон Муродбек Бухоро амири ёрдами ва мадади билан Фарғона билоди ва диёрини қўлга олса, унда Бухоро лашкарининг бир неча йиллик сарфу харажатини кўтаради, хутбада амир номини ўзининг номидан олдин айттиради, Бухоро давлатининг душманини дафида қўшин ва моддий ёрдами билан қатнашади. Буларни аҳду паймон қилиб, ҳазрати Ҳаққ субҳонаху номи ва каломи билан онт ичтилар. Кейинги йили учрашиб бу режаларни амалга ошириш учун келишиб олдилар.

Бу орада Фарғона ҳукмдори Муҳаммадалихон Ўратепага келиб, муҳандис меъморларга буюриб, Пешоғар чегарасида бир янги қалъа бино қилди. Гадейбой *додхоҳ* Довул *парвоначининг* ўғлини бу қалъада бир неча фавж қўшин билан қолдириб, хон пойтахтга қайтди.

Ҳижрий 1255, ражаб ойида⁸⁶⁸ Бухоро амири амир Насруллоҳхон Фарғонани босиб олиш учун лашақр тортиб, Фарғона чегарасида жойлашган Пешоғар қалъасини қаттиқ қамал ва қуршовга олди. Қаттиқ мудофаа ва муҳорабалар, икки томонлама талафотлардан сўнг бу қалъа босиб олинди ва Гадейбой озгина одамлари билан бу ҳалокатли жойдан қутулиб чиқиб Хўқандга келди. Бухоро амири шу кичик сипоҳдан шунча жасоратни кўриб, битта қалъа фатҳи билан қаноатланиб Самарқанд тарафига қайтиш жоловини бурди.

Аввалги йили амир ваъдага мувофиқ Султон Маҳмудбек ибн Умархонга Урметан ва унинг атрофини берган эди. Энди унга яна Фалғарни ҳам тобе ҳудудлари билан Масчо⁸⁶⁹ гача қўшиб, тухфа ва ҳадиялар билан элчисини Султон Маҳмудбек ва Дониёлбек, Шаҳрисабз *волийси* олдиларига жўнатиб, хонзодани ҳузурига чақирди. Хонзода ўз қайинотаси билан видолашув маросимини бажо келтириб, ўз мулозимлари ҳамда *кенагас* жамоасидан Дониёлбек мадад учун берилган фавж билан Самарқанд сари равона бўлди. 30 шаъбон, 1255 йили⁸⁷⁰ Самарқандга келиб, ҳазрати амир мулоқотига мушарраф бўлиб, ул жаноб билан қўл бериб, қучоқлашиб кўришди. Амир ўз ёнида унга манзил тайинлаб жойлаштирди. Бир неча кун бу шаҳарда ором ва осойиш топиб, хонзодага Урметан ва

⁸⁶⁴ Ҳижрий 1254 йили шаввол ойи милодий 1838 йил 18 декабрь – 1839 йил 16 январьга тўғри келади.

⁸⁶⁵ Қурама – қозоқ қабилаларнинг уюшмаси. Қозоқларнинг ўзаро аралашган уруғлар. Тошкент атрофида яшаганлар.

⁸⁶⁶ Эшикоғобоши – сарой маҳрамлари ва соқчиларининг бошлиғи.

⁸⁶⁷ Митан – қирғиз-қипчоқларда уруғ номи.

⁸⁶⁸ Милодий 1839 йил, 10 октябрь – 10 ноябрь.

⁸⁶⁹ Масчо/Масчой/Масчоҳ/Матчоҳ – Зарафшон водийсининг юқори қисмида жойлашган тоғли ҳудуд. Маркази Оббурдон қишлоғи бўлган.

⁸⁷⁰ Милодий 1839 йил, 9 ноябрь.

Фалғарни катта дабдаба ва тажаммул билан бериб, кетишга рухсат берди ва ўзи Бухоро дор ул-аморатига қайтди.

Ҳижрий 1256 йилнинг бошларида⁸⁷¹ Фарғона мамлакатада бир кўрғилик бўлди. Эшони Шайхча Бухорий номи билан танилган Абдулқаҳҳор деган киши ҳаж сафарига бориб, узоқ муддат жаҳонни кезиб Фарғонага қарашли Намангонга келади ва жаҳрия сулукида шайхлик нағорасига чалиб, кўп мардумни иродат ва ихлоси ҳалқасига тортган эди. Бир куни катта анжуман ва зиёфат қилиб, хосу омни чақириб меҳмондорчиликдан кейин эълон қиладики, «анча муддатдан буён ҳазрати расули акрам муборак сочларини кўп ҳаракат ва машаққатлардан кейин Ҳижоз сафаридан қайтиш чоғимда қўлга киритганман. Бугунгача мен бу сирни жоним хазинасида, халқ кўзидан яшириб келар эдим. Шу кеча тушимда бу жавҳари нодирни ошқоро кўрсатиш, бу шаҳарнинг аҳолиси унинг тавофи шарофатидан маҳрум бўлмасин деган маънода амр берилди». Бу сўзлардан кейин у тиллодан ясалган бир қутичани хирқаси кисасидан олиб, ҳозир бўлганларга кўрсатди. Ул жамоа зиёрат қилиш одоби ва услуби шартларини бажариб, ўз макон ва манзилларига қайтдилар. Намангоннинг барча аҳолиси улардан бу ҳақда эшитиб, эртаси гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб ўша қутичадаги нарсани тавоф ва зиёрат қилиб кетардилар. Бу овоза тез орада бутун Фарғона бўйлаб тарқалиб кетди. Ҳар диёр ва шаҳардан одамлар гуруҳ-гуруҳ ва фавж-фавж бўлиб зиёратга келиб кетардилар. Одамларнинг жамоаси шу даражага етдики, Намангон ҳокими фитна чиқмасин деб, шайхчани ўз хузурига талаб қилиб, навозиш ва икром кўрсатиб «катта шаҳрларга бориб, бу дастгоҳ ва хонақоҳни кўрсатсалар, кўпроқ манфаат келтиради», деб айтди. Бу маслаҳат шайхга маъқул тушди. Қайтиш вақтида шайх ва унинг тарафдорларига муносиб хилъатлар бериб кузатиб қўйди. Шайх хонақоҳига қайтиб сафар асбобини тайёрлаб, бир моҳир заргарни олиб келиб, унга бир кичик сандиқни кумушдан ясаттирди. Қутичани харир ва нафис матога ўраб сандиқча ичига солиб, кумуш кулфи билан кулфлади. Шайхнинг яқинларидан бири ушбу сандиқчани бошига қўйиб, зикру самоъ ва ажабтовур тажаммул билан Хўқандга равона бўлдилар. Намангон халқи катта жамоа билан Шайхчани кузатиб қўйди. Шайхни Хўқандга келишидан хабардор бўлиб, шаҳар аҳолиси, сўфийлар, сулук аҳли, дарвишлар ва омий халқ бир неча фарсахгача истикболга шошдилар. Бу воқеа Фарғона ҳукмдорининг ҳумоюн қулоғига етиб борди. Уламони даъват қилиб, бу ҳақда истисфор ва истиъллом сўради. Уламо ва донишмандлар арз қилдиларки, хотам ал-анбиёнинг муборак сочлари аббосия халифалари даврида хазиналарида бўлган. Алҳол бу гаваҳар Усмонли халифаларнинг хоса хазиналарида бўлиши мумкин. Ҳар қандай соҳибдавлат унга муяссар бўлмаганида, фуқаро ва машойихга йўл бўлсин! Баъзи жаҳон кезган одамлардан қулоғимизга чалинган эдики, Ҳиндистон ва Сарандеб⁸⁷²нинг баъзи тоғларида бир ўт ўсар экан. Уни Мовароуннаҳрда «ошиқи салавот», дерлар. Салавот айтиш вақтида бу ўтда бир ҳаракат ва қайиришни пайкаш мумкин. Кимиё илми ва ўтларнинг хосиятидан хабардор бўлган шахслар бу камёб ўтни дорулар таркибига қўшиш ё бошқа ният учун сақлайдилар. Бирор бир толиб пайдо бўлса қиммат баҳода сотиб юборадилар. Баъзи жаҳонгашта одамлар бу ўтни топишда кўп заҳмат ва меҳнат сарфлаб, кимиё олимларидан бу гиёҳни сотиб олиб, фириб ва найранг дўконини очиб сармоя тўплашга киришадилар.

Яна бир гуруҳ одамларнинг фикрича Ҳинд денгизида бир нав балиқ бор экан. Юзи ва лабларида нозик бароқ сочлар бўлармиш. Илми римиё ва найранг билгичлари уни топиб ўз шуъбада ва кўзбўямачилик ишларида кенг фойдаланар эканлар. Улардан бу қилиқлар каззоб ва нобакор, олчок шайху сўфи қўлларига ўтиб, макру хийла матоига ва оломонни тузоққа тушириш донига айланиб, одамларни ҳайвон сифат ва ваҳши табиат қиладилар. Бироқ шунча бўлса ҳам унинг ҳақиқати ва моҳиятидан хабаримиз йўқ. Бу бетайин одам, яъни Шайхчайи Бухорийнинг қилмиши ва феъли шунга ўхшаш.

Хони замон бу ҳикояни эшитиб, мажлисда ҳозир бўлган уламо ва аҳли фатводан бу ишнинг манъи ва ул маккор ва динфурўшни жазо бериш учун фатво талаб қилди. Улар арз қилдиларки, бу шаҳарнинг аҳолиси ва бу диёрнинг халқи таассуб ва жаҳолатда маъруф бўлган, бу замонда залолат ва жаҳолатда шундай ботиб қолганки, телба ва девона бўлганлар. Алҳол буни манъ ва йўқ қилиш ақл ва тадбир қонунига мувофиқ келмас. Уни манъ қилишнинг вақти ва макони бор, фитна ва ғалаён бўлиши мумкин.

Фарғона хони ҳурматли вазирлар ва буюк олимлар маслаҳатлари билан бу ишни бошқа вақт ва маконга қолдирди.

Шу орада яна Марғинон шаҳрида Аббос сўфи дегани пайдо бўлиб, найранг сандиғини очиб, олдинги гўл шайхга ўхшаб ҳуққабозлик ўйинини бошлади, кўп жоҳиллар шу беҳаё ва тубан

⁸⁷¹ Милодий 1840, март ойи.

⁸⁷² Сарандеб – Цейлон, бугунги Шри Ланка.

одамнинг итоатига кириб адашдилар. Хўқанд шаҳрида эса Азимжонбой Бухорийнинг куёви Қаландар эшон деган бир ноинсоф учинчи бидъат ва хиёнатни бошлади. Катта бир уюшмадан иборат беҳирад ва авбош оломон унга мурид ва мухлис бўлдилар. Қисқаси бу учала фирқа турли рангдаги яловларини ҳар хил матолардан ясаб ва тартиб бериб, чўпларини ҳам турли рангда қилиб, найранглари асбобу ускунаси солинган сандиқларини кўтариб, учала шайх ва сўфи бошчилигида катта кўчадан зикру самоъ ва ажойиб ҳайбату ғаройиб санъатлар билан ўтиб, шаҳар сиртидаги Қаротепа мавзеигача бордилар. Шу ерда жойлашган бир масжиднинг хонақоҳида сандиқларини кўйиб, ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва маҳалладан муридлари ва зиёратчилар олиб келтирилган минглаб яловларни, ниҳол эккандек масжиднинг кенг саҳнида қадаб қўйдилар. Ҳозир бу мавзе Мўйи муборак номи билан машҳурдир⁸⁷³.

Бу воқеаларнинг баёни сўзни анча чўзган бўлса ҳам бу мамлакат одамларининг турқ-атворини кўрсатиш учун қалам ўзини тия билмади, токи икромли қорилар бу диёр аҳолисининг ахлоқи ва аҳволаридан маърифат ва ошнолик пайдо қилсинлар.

Ҳижрий 1256 йили 17 рабиъ ус-сонийда⁸⁷⁴ Шаҳрисбаз ҳокими Дониёлбек вафот қилди. Хожақули *парвоначи* унинг ўрнига ҳукмдор бўлди.

Бир йил олдин, яъни 1255 йил ражаб ойининг охирида⁸⁷⁵ Бухоро амири Пешоғар қалъасини босиб олган эди. Амир Насруллоҳ бор кучи ва ҳимматини уруш асбоб-анжомларини тайёрлаш, аскарининг тарбияти ва тақвияти билан машғул бўлди. Дарбор амирлари, буюк яқинлари ва асрори маҳрамларини чақириб, хуфия тарзда овлоқ мажлисини уюштириб Фарғонага юриш ва босиб олиши бўйича маслаҳат қилди. Ўшал сўхбат чоғида ҳар хил тадбирлар ўртада кўп бўлди. Оқибат шундай қарорга келиндики, Бухоро амалдорлари ва маъмур саркорларига Ҳисор, Кўлоб ва Кўҳистон ҳудудларига кўшин тортилиши муносабати билан лашкариянинг олти ойлик захиралари, ўқ-дори ва ем-хашак захирасини тайёрлаш учун фармон берилсин токим, бу хабар ҳамма жойга тарқалиб, душман, яъни Фарғона хони ҳам Бухоро аскарининг Фарғонага юришидан хабарсиз ва ғафлатда қолсин. Шунда тўла тайёрлик ва омодалик билан бу мамлакатга равона бўлармиз. Бухоро амири бу машварат қарори билан шундай фармон ва ҳукмни тарқатиш учун топшириқ берди.

Шу орада хабарчилар Фарғона хонига маълумотни етказдиларки, Бухоро амири амир Насруллоҳхон лашкар тортмоқ ниятидадир. Аммо қайси тарафга юриш қилиши номаълум. Халқ орасида Ҳисор ва Кўҳистонга юриш қилади деган хабарлар тарқалган. Содир бўлган фармонлар ҳам сипоҳ ва раият орасида тарқалган хабарларни исбот қиладики, дарҳақиқат сафар Кўҳистон тарафига режалаштирилган. Фарғона хони бу хабарлардан воқиф бўлиб, амири Бухоро амакиваччаларидан Исҳоқбек *парвоначи* ибн Маҳмудбий ибн амир Дониёлни катта ва қонхур сипоҳ билан Ём қалъасининг ҳукумати ва муҳофазати учун юборди. Ўзи эса адади кўп лашкар билан Хўжанд шаҳрига келди; мақсади Бухоро йўлидаги қалъа ва истехкомларни текшириш, уларнинг таъмири ва истехкомига яна такмил бериш эди. Фуломшоҳбек Бадахшийниким, Бекларбегийи лашкар номи билан шўхрат қозонган эди, кўп сонли сипоҳ билан эҳтиёт ва муҳофизат тариқаси билан бу ҳудудда, Ўратепа қалъасида қолдирди. Қаерда кўмак ва ёрдамга эҳтиёж тушса шу қалъадан тез ва шошилиш тарзда мадад бериши осон ва муяссар бўлишни топширди. Ўзи кўшин ва жамият билан Хўжандда қолиб, ғайб пардаси ортидан нима воқеа юзага келишини кўрмоқчи эди.

Хони замон ҳукуматининг аъёнлари ва давлатининг арконларидан Фуломшоҳ Бекларбегийи лашкар, Муҳаммадшариф *оталиқ*, Холбек *қўшунбеги*, Гадейбой *парвоначи* ва бир неча шахсларни ҳузурига даъват қилиб, шу бобатда маслаҳат ва машваратларини сўради. Фуломшоҳ *бекларбегийи лашкар*, Холбек *қўшунбеги*, Гадейбой *парвоначи*, кўксилари ойинаси нифоқ ва гина зангидан тоза ва мусаффо бўлгани учун хоннинг фикрини яхши қабул қилиб, маъқулладилар. Аммо Муҳаммадшариф *оталиқ* ва унинг шериклариким, ботинлари куфрони неъмат иллатидан ва миллату давлатга хиёнат маразидан тўлиб-тошиб кетган эди, арз қилдиларки, зоти олийлари жосус ва хабарчиларнинг маълумотларига қараб, шунча гап ва овозаларга ишониб ташвиш тортишлари тўғри эмас. Бу жонсипор бандалар ва вафодорликни шиор қилган хизматкорлар шу кунларда сизга керак бўлиб қолмасак, захмат ва машаққат юкини кўтармасак бизнинг боримиздан нима фойда ва даромад? Жаноби олий ўз давлатхоналарида роҳат ва фароғат билан дам олсинлар. Бу ранж ва оғириликни биз меросий ва қадимий қулларига топширишлари ҳам тўғри ҳам инсофдандир. Муҳаммадалихон бу хазёнларга илтифот қилмаган бўлса ҳам бу мажлисда фикрини изҳор этмай, бироқ Бекларбегини

⁸⁷³ Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги қишлоқ (Қора тепа ҳам дейилади). Қўқоннинг жанубида 1 км. масофада жойлашган. Муйи муборак масчити шу қишлоқда эди. Аслида Муйи мубораклар сохта бўлган.

⁸⁷⁴ Милодий 1840 йил, 19 июнь.

⁸⁷⁵ Милодий 1839 йил, октябрь ойининг бошларида.

Холбек *қўшунбеги* ва Гадейбой *парвоначини* сипоҳ билан таъминлаб, ўша худуднинг ҳукумати ва қаттиқ муҳофазати учун тайин қилмоқчи эди. Бу мулоҳазалар ҳали фикрдан амалга ўтмасдан бурун, бахти ва қисматининг қоралигидан Муҳаммадалихонни Фарғоний мизожи олийсида бир хасталик хуруж қилди. Тез-тез қусиб, кўнгли ғаш ва хушдан кетадиган бўлди. Табиблар буни заҳарланиш касофати деб билиб унинг давосида саъй ва ҳаракат бошладилар. Умаро ва вузаронинг қарори билан Холбек *қўшунбеги* хонни маҳофа (усти ёпиқ ароба)га ётқизиб, надимлар ва мулозимлари ҳамда бир неча фавж соқчилари билан Хўқанд дор ул-аморатига қайтди.

Шу вақда Муҳаммадшариф *оталиқ* ва унинг яқинлари ва дўстлариким, бурунги 1254 йили⁸⁷⁶ Муҳаммадалихоннинг укаси Султон Маҳмуд Шаҳрисабзда бўлганида унга хуфия мактублар юбориб, акасига қарши тарғиб ва рағбатлантирган эдилар ва уларнинг иғво ва тутқулари билан хонзода Бухоро амири билан Фарғонани босиб олишда аҳд ва иттифоқ тузган эди, чунончи бу воқеа иштирокчилари номи билан юқорида зикр қилинган эди, яна маҳфий мактублар юбориб фурсат ғаниматлигини таъкидлаб, шошилиш ҳаракат қилишларини талаб, муҳораба майдонида биринчи хужумдагина ўзларини таслим бўлишларини билдирдилар. Мактубни бир тезювар чопарга бериб Ўрметан ва Фалғар⁸⁷⁷ музофотида бўлган Султон Маҳмудбекка юбордилар. Чопар бу мактуб ва даракни Султон Маҳмудбекка етказганида, у дарров бир ишончли одамни Бухорога юбориб, амир Насруллоҳни бу воқеалардан хабардор қилди. Бухоро амири кечиктирмай фаровон лашкарни ораста қилиб, Фарғонани эгаллаш қасди билан равона бўлди. Диззах қалъасига етганда Султон Маҳмудбек ўз сипоҳи билан Ўрметандан келиб, амир билан учрашиб кўруниш юз берди. Эртаси тонгдан кўшиннинг ўнги, сўли, қалби ва муқаддимасини тўғирлаб йўлга чиқиб, Ём қалъасини қамал қилдилар. Қалъанинг ҳокими амирнинг амакиваччаларидан бўлмиш Исҳоқбек *парвоначи* ибн Маҳмудбекбий ибн амир Дониёл қалъадорлик ишида мардлик ва мудофаада баҳодирлик кўрсатиб, бирор бир кишини қалъага яқинлашишга қўймасди.

Бухоро амири Абдусаммад *нойибни* ўз ҳузурига чақириб, шоҳона лутф ва чиройли ваъдалар билан бошини кўкка кўтариб деди: «бугун синаш куни ва ҳунар кўрсатиш маҳаллидир. Санинг ишбилармонлигинга ишониб топширган олов асбоблари ва оташ ёғадиган тўпларимни ишга сол. Бу фанда устодлик даъвоинг бор эди. Бир дақиқа ҳам ҳунарингдан воз кечмагин». Амири аржуманднинг топшириғига мувофиқ муҳим нуқталар ва тепаликларда катта тишларни жойлаштириб, уч кеча ва кундуз қалъанинг ичи ва сиртини тўпга тутдилар ва бу фанда моҳирона санъатларини кўрсатдилар. *Тўпчилар* қаерга тўп билан раҳна солсалар қалъадагилар дарров уни ёпиб қўярдилар. Исҳоқбек ва унинг сипоҳи муҳораба ва мудофаа ишида, намакҳалоллик вазифаларини исбот қилишда, вафодорлик ва садоқатда ҳадалимкон саъй ва ҳаракат қилардилар. Қалъа мудофаачиларининг бахти қароликлари ва омадсизликларидан тўртинчи кеча уларни умрларининг хотимаси бўлди. Бахтсизлик тасодифидан тўпларнинг ўқи кетма-кет борут ва қўр-қут анборларига тушди. Ёнғин бошланди. Уни ўчириши муяссар бўлмади. Ёнғин борутга тегиб, портлашидан учкун ва шарораси осмонга кўтарилди. Бошқа иморат ва анборларга ёнғин ўтиб кетди. Қалъа аҳлининг бир жамоаси ёниб, қолганлар изтироб ва малул бўлиб қолдилар. Оловдан қалъанинг тўрт томони кундек ёриқ бўлди. Ҳар тарафдан Бухоро сипоҳи қалъага бостириб кирдилар. Бирлари қалъа дарвозаларини очиб, баъзилари арқон ва нарвонлар билан қалъага кириб олдилар. Исҳоқбек вазиятни бу аҳволда кўриб, бир дарвозадан чиқиб, қочиш чўлига қадам қўймоқчи эди. Ажали етган экан, Бухоро сипоҳи кўлига асир тушди. Қўл ва оёқларини бойлаб Бухоро амири ҳузурига олиб келдилар. Амир деди: «анчадан бери бу сайд биздан қочиб юрган эди». Жаллодни кўз ўнгида уни бисмил⁸⁷⁸ қилишни буюрди. Жаллод ҳам қўйни қурбонликка келтирадигандек амир олдида Исҳоқбек ибн Маҳмудбек ибн амир Дониёлни ўз ҳамроҳлари билан бирга бошларини таналаридан жудо қилди. Исҳоқбек закий ва шоир, вафодор ва фозил киши эди. Отаси амир Ҳайдар даврида Хўқанд давлатига келиб, ўз ҳолига яраша иззат ва икромлар кўриб вафот этди. Ўғли Исҳоқбек Фарғона давлатининг тузи ва неъматидан ўсиб, тарбият топган эди. Алҳақ яхши ном ва ҳақшунослигини исботланганини кўрдик.

Бу кўнгилсиз воқеа Муҳаммадалихон сомеасига етиб бориб, ул намакҳалол қатлидан ғам ва қайғуга ботди. Кўзларидан оққан ёшлари шариф соқолига тушди. Кўнгил айниш, алағдалик ва хушдан кетиш тўхтагани билан у ҳали жойидан туришга қодир эмас эди. Табиблар уни ҳаракат қилишга руҳсат бермагандилар. Шунга қарамасдан Хўжандда турган Фарғона сипоҳининг амирларига чегарага бориб, қалъа ва истехкомларни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш учун топшириқ юборди. Ўзи тузалиб, қувватга кириб юриш бошламагунча очиқ жангга кирилмасин, дея амир қилди.

⁸⁷⁶ Милодий 1838–39 йили.

⁸⁷⁷ Фалғар – Зарафшон дарёси юқори қисмидаги мулк.

⁸⁷⁸ Бисмил қилмоқ – бош кесмоқ, сўйиш, қатл қилмоқ.

Амир ва сардолар Хўжанддан Ўратепа ва Зомин қалъаси томонига ҳаракат қилдилар. Ул замонда Бухоро амирини Зомин қалъаси қасди учун келаётган хабари келди. Сипаҳсолор Лашкар *бекларбеги* ва бошқа амирлар иқтидор муштларида бўлган сипоҳнинг қалб ва ўнг қаноти ҳамда муқаддиманинг ихтиёрлари лажомини қўйиб юбориб, тез ва шошилиш ҳаракат қилишга ундасалар, чап қанот ва Муҳаммадшариф *оталиқ*нинг сипоҳи ҳамда бошқа намакҳаромий мунофиқ сардорларнинг қўшини, кечикиш, ғафлат ва иллатни ўзларига касб қилиб, шу важ ва баҳоналар рўкач қилардиларки, тез юришда юк ташийдиган от ва туяларимиз, сипоҳнинг улови чарчаб толиқади, ишга ярамай қолади ва бу ерда от-улов топиш муяссар бўлмайди.

Йўл ҳаракати давомида содиқ амирлар мунофиқ сардорлар билан кечикиш ва кечикмаслик, тез юриш ёки секин ҳаракат қилмоқ учун баҳсу мунозара қилганларича Бухоро амири Зомин қалъасига Фарғона лашкаридан олдин етиб келиб, қамал ва қуршовини бошлади. Қалъа ҳокими Абдулвали, исёнчи Муҳаммадшариф *оталиқ*нинг биродари бўлиб, қалъа метин бўлгани, анвои ўқ-дори ва ем-хашакдан таъмин, ҳарбия асбобларидан тўла бўлганига қарамай жангсиз ва қаршиликсиз уни амирга топширди. Ўзи катта сипоҳи билан келиб Муҳаммадшариф *оталиқ*қа қўшилиб, акасига амир Насруллоҳ ва Султон Маҳмудбекнинг номаларини топширди. Бу воқеалар содир бўлганидан кейин Бекларбеги ва унинг яқинлари ҳамда Муҳаммадшариф *оталиқ* ва унинг ёронлари йиғилашиб бирга ҳаракат ёки сукунатни ихтиёр қилмоққа қилу қол ва баҳсу жидол қилдилар. Хубби ватан ва ҳуқуқи намакни ўйлаб, фикр қилаётганлар Муҳаммадалихоннинг олий фармойишига мувофиқ Ўратепа ва унинг қалъаларининг ҳимояси ва қўриқлашини муҳим деб билардилар. Муҳаммадалихон келгунча мудофаага машғул бўлишни таклиф қилдилар. Намак ҳақини билиш, инсоф ва диёнатдан баҳраманд бўлмаганлар, қалъа мудофааси ва истехкомларни мустаҳкамлашни кўрқоқлик ва ҳадиклаш деб билиб, миллатнинг фитна ва фалокати, давлатнинг синишини истадилар. Улар зимдан чопарлар юбориб Бухоро амири ва Султон Маҳмудбекни Фарғона лашкарининг авзо ва аҳволдан хабардор қилиб, суръат билан ҳаракатга тушишни тарғиб қилдилар. Фарғона лашкари Ўратепа тобеларидан бўлмиш Оби Хабатак мавзеига етиб келган пайти, Бухоро сипоҳи ҳам ортларидан етиб келиб, жангга сафландилар. Маймана қанотига Султон Маҳмудбек, майсара қанотига Иброҳим *девонбеги мангит*, илғор (талоя)га Ҳакимбек мирзо *парвоначи*, қалбни Бухоро амири ўз вужуди билан ораста қилди. Абдусамад *нойиб*ни сарбоз фавжи ва тупчилар билан муқаддимага қўйиб, бир неча даста отлик сарбозларни ҳам таркиб ва тартиб бериб Ўратепа йўлини тўсишга қўйиб, Фарғона сипоҳини қалъадан кесиб қўйдилар. Фарғона лашкарининг сипаҳсолори Бекларбеги ҳам сўшин сафини ростлашга киришиб, ўнг қўл уддасини ўз зиммасига олди, чап қўл ихтиёри лажомини мунофиқлар сардори Муҳаммадшариф *оталиқ*қа берди, Абдуллоҳ *парвоначи* ва Гадейбой *парвоначилар*ни лашкарнинг қалбига жойлаштириб, ўғли Эшонқули *додхоҳни туфангчи* ва *тўпчилар* фавжи билан сипоҳнинг илғор қисмига қўйди. Биринчи бўлиб Абдусамад *нойиб сарбоз* ва *тўпчилар* фирқаси билан Эшонқули *додхоҳ* ва Фарғонанинг *туфангчилари* ва *бундуқчи* (ўқ отувчилар) ларига қарши ҳаракат қилиб, турли нуқта ва жойлардан уруш ва тўплардан ўқ отишни бошлади. Эшонқули томонидан ҳам ўқотар ускуналардан яраша жавоб бўлди. Шу пайт Султон Маҳмудбек маймана қўшини билан Бекларбеги ва ўнг қанотга ҳужум қилди. Найза ва ханжар билан бир-бирларига ташландилар. Майсарадан Иброҳим *девонбеги мангит* Муҳаммадшариф *оталиқ* тахти фармонида бўлган Фарғонанинг чап қанотига ҳамла қилишга юзланди. Берган ваъдасига мувофиқ номусни фаромуш қилиб, ака-укалари ва яқинлари билан байроқларини ерга ташлаб, туришдан қочишни танладилар. Чўл қанотдагилар ўз сардорлари аҳволини бу ҳолда кўриб, кўнгилларига хавф ва кўрқув йўл топиб, қочмоққа юзландилар. Муҳаммадшариф *оталиқ*, биродарлари, дўст ва тарафдорлари билан Бухоро амири хизматига келди, хусравона лутф ва марҳаматга улар сазовор бўлдилар. Иброҳим *парвоначи* бир неча фавжни қочганлар ортидан юбориб, ўзи қолган сипоҳи билан Бекларбеги ва Фарғона сипоҳининг сўл қаноти билан уруш қилаётган Султон Маҳмудбек ва бухороликларнинг маймана қисми мададига шошди. Бекларбеги ва Фарғонанинг сўл қаноти қарийб мағлуб бўлишганда, Гадейбой *парвоначи* Абдуллоҳ *парвоначини* лашкар қалбида қолдириб, бир неча гуруҳ билан ўнг қанот сардори Бекларбеги ёрдамига ошиқиб, қаттиқ уруш бошланиб кетди. Шу маҳалда Бухоро амири қалбни учта гуруҳга тақсимлаб, бирини Султон Маҳмудбек ва Иброҳимбек *парвоначи мангит*га ёрдам бериш учун, иккинчисини фарғоналикларнинг қалбидаги Абдуллоҳ *парвоначи*га қарши мужодаласига юборди. Икки лашкар бир-бирларига ташланиб қаттиқ ва оғир жанг бўлиб, иккала тарафдан ҳам кўп одам ҳалокат тупроғига қуладилар. Фарғона сипоҳи қалбининг сардори Абдуллоҳ *парвоначи* ҳалок бўлди. Ўрнини Субҳонқули *додхоҳ* эгалади ва қалб мавқеини бухороликларга бериб, Фарғона *туфангчилари*га қўшилдилар ва Эшонқули *додхоҳ* билан бирга улар Бекларбеги тарафига майл қилиб, ўнг қўл билан бирлашдилар. Бекларбеги қараса бухороликларга кетмакет мадад келиб улар

урушда жасур ва далир бўлиб киришиб, Фарғона лашкари эса заиф бўлаётир. Тагин Фарғона сипоҳи Муҳаммадшариф *оталиқ* хиёнатидан дилхаста ва хотирлари синиб, мавқеларини ташлаб кела бошладилар. Фарғоналикларнинг иши оғир ва қийин бўлди. Агарда урушга киришса Фарғона сипоҳи батамом мағлуб ва ҳалок бўлади. Оғир туплар ва олиб кетиши қийин бўлган ўтов ва юкларни уруш майдонида ташлаб, *туфангчи* ва *тўпчиларни* енгил тўплар билан қўшиннинг олд ва ортида тайинлаб, уюшган ҳолда секин Ўратепа қалъаси томонга чекина бошладилар. Бухоро қўшини қолдириб кетилган нарсалар ва тўпларни қўлга киритиб, фарғоналиклар орқасидан жанг қилиб борардилар. Абдусаммад *нойиб* Бухоро сарбозлари ва *тўпчилари* билан дарров бориб, Ўратепа йўлини тўсди. Бекларбеги Ўратепадан ноумид бўлиб, Нав қалъаси сари юзланди. Тун сипоҳи оламни зулмат пардаси ортига олиши билан Бухоро сипоҳи таъқиблашдан тўхтаб, ўша жойни қароргоҳ қилдилар. Ҳақимбек Мирзо *парвоначини* қўш атрофида посбон қилиб тайинланди. Бекларбеги Нав қалъасигача бирор-бир маконда тўхтамасдан, қалъага яқинлашганида унинг ҳокими Иброҳим *парвоначи*, Муҳаммадшариф *оталиқ*, намакҳаромининг куёви эди, қалъа дарвозаларини Бекларбегига очмай, ичкарига қўймади. Гадейбой *парвоначи* бир неча киши билан қалъага яқинлашиб, панд ва насиҳат тили билан уни куфрони неъмат ва унинг оқибатларидан огоҳлантириб, қилмишидан қайтармоқчи бўлдилар аммо файда бермади. Иброҳим *парвоначининг* ишорати билан биров қалъа устидан Гадейбой *парвоначига* қараб ўқ узди. Ажали етмаган экан, милтиқнинг ўқи ёнидаги мулозимига тегиб отдан йикитди. У жонини жаҳон яратувчисига топшириб, ўлди. Гадейбой *парвоначи* бу жойни тезда тарк этди. Бекларбеги алам ҳолда бу қалъадан Хўжанд сари ҳаракат қилди. Анча масофаларни босиб ўтгач бир тор жойда лашкарга дам ва таом бердилар, от-уловга ем-хашак ва ором бериб, у ердан Хўжандга келдилар. Хўжанд ҳокими Шоди *додхоҳ* ҳам Бекларбеги мадади учун ўн беш кун олдин катта сипоҳ билан юборилган икки номард Абдурахмон *додхоҳ митан* ва Абдурахмонбек ибн Худоёрбек *девонбеги йуз* нобакорлик меваси бўлган вафосизликни ўзларига шиор қилиб, Хўжандда туриб шаҳар дарвозаларини Бекларбегига ёпдилар ва уни шаҳарга киришига монелик қилдилар. Бекларбеги ночор бўлиб Хўқанд дор ул-аморатига қайтди.

Шу орада Муҳаммадалихон ҳам соғайиб, отга миниш учун куч пайдо қилганда Бухоро амири ва султон Маҳмудбек дафи ва муҳорабаси учун отланди. Келиб Беш ариқ мавзеида қўним топганида Бекларбеги ҳам келиб хизмат ва мулозамат кўрсатиш шарафига етди. Хуфия қилиб у Муҳаммадшариф *оталиқ* ва унинг яқинларининг хиёнати ва куфрони неъматини баён қилиб, Холбек *қўшунбеги*, Гадейбой *парвоначи* ва Маҳмудбек *шиговул*⁸⁷⁹ билан бирга арз қилдиларки, мувофиқни мунофиқдан зоҳиран ажратиш жуда мушкул ишдир. Фард:

Дар ин замона ки бар дўст эътимодест нест,
Чи гуна ғарра тавон шуд ба қавли аҳли нифоқ?
[Бул замондаки, ҳатто дўстга ишонч йўқ,
Аҳли нифоқ сўзидан қандай мағрур бўлиш мумкин?].

«Энг яхши амал сулҳдир» деган мақолга амал қилиб, амир билан яраш учун битим бўлгани бу жонсипор ақли қосирига яқиндир», деб айтди. Самимий давлатхоҳларнинг бу савоб фикрлари хон жанобига маъқул бўлиб, давлат ва миллат манафаатига нимаики тўғри келса қилинлар. Хон ҳузуридан чиқишга рухсат олиб, улар машварат билан бир элчини тўхфа ва ҳадиялар ҳамда мактуб билан амир тарафига юбориш учун келишиб олдилар.

Ўшал вақтики Бекларбеги Оби жомак⁸⁸⁰ мавзеидан урушдан юз ўгириб, Хўжандга келди Бухоро амири Ўратепа қалъасига бориб, муҳосара ва муҳорабадан сўнг уни қўлга олиб, қалъа аҳолисидан кўп кишини қатл қилди ва Хўжанд сари мурожаат қилди. Йўлда Нав қалъасининг ҳокими Иброҳим *парвоначи* Муҳаммадшариф *оталиқ*нинг куёви, Хўжанд ҳокими Шоди *додхоҳ*, Абдурахмон *додхоҳ* метан ва Абдурахмон *додхоҳбек* Худоёрхонбек *девонбеги ўғли йуз* ўз тобелари ва фавжларини олиб кўп пешкаш ва тансуқотлар билан Бухоро амири ва Султон Маҳмудбек ҳузурларига келиб, қўлларини ўпиш шарафига муяссар бўлиб, қалъалар калитларини топширдилар. Шу ерда Султон Маҳмудбек Иброҳим *девон мангит*, Муҳаммадшариф *оталиқ* ва бошқа сардорлар билан амрдан бир манзил илгарироқ бориб Хўжандга кирдилар. Эртаси Маҳрам чўлига бориб қўним топдилар. Уларнинг ортларидан амир Хўжандга келиб кирган эдики, Муҳаммадали хон тарафидан Муҳаммадаминбек, Мирзо Муҳаммадаюб *мунши*⁸⁸¹, Маҳмуд *шиговул* элчи бўлиб келдилар. Элчилик одоби маросимидан сўнг уларга иззат ва икром кўрсатиб, Диззах ҳокими Остонақули *эшикоғасини*

⁸⁷⁹ Шиговул/шаговул – сарой мансаби. Бухоро ва Қўқон хонлигида элчиларни хон қабулига олиб кирувчи мансабдор шахс, сарой ва девоннинг юқори амалдори. Саройдаги қабул маросимларини бошқарган ва назорат қилган. Улар мустақил равишда дипломатик музокаралар олиб боришмаган.

⁸⁸⁰ Оби жомак – Ўратепадан бир фарсахлик масофада жойлашган жой.

⁸⁸¹ Мунши – котиб, девонхона мирзаларининг бошлиғи.

қўшиб Муҳаммадалихон ҳузурига элчилик учун юбориб, хондан Тошканд ва Туркистонни барча ҳудудлари билан талаб қилди. Бу борада бир неча марта элчиларнинг борди-келдиси амалга ошди.

Яхши бир тасодиф билан шу вақтда Хоразм хонининг бир талай лашкар билан Бухоро тарафига юриш қилган хабари етиб келди. Баъзи умаро ва уламнинг мубаширрати билан орада сулҳ ва яраш осонгина воқе бўлди. Ўратепа тобе ерлари билан Бухоро амирига ўтди. Хўжанд ва Нав қалъаси ноҳиялари билан бирга Султон Маҳмудбек ҳиссасига қўшилди.

Бухоро амири зудлик билан қайтиб Ўратепада Бердиёрбек *додхоҳ*ни ҳоким этиб тайинлаб, Бухоро дор ул-аморатига шошди. У ерга етиб борганда Хоразм хонини пойтахтидан чиқмаганини эшитди. Амир Муҳаммадалихон билан қилган сулҳидан пушаймон бўлиб, келаси йил яна лашкар тортиш учун омодалик кўра бошлади. Абдусамад *нойиб* маслаҳати билан сарбоз ва *тўпчилар* фавжларини ўқотар аслиҳа ва қурооллар билан, Хоразм чегарасидаги қалъаларни катта захиралар ва сипоҳ билан таъминлади.

Амир Фарғонадан қайтишидан биров муддат ўтгач, давлатхоҳлар ва яраш аҳли ака-ука ўртасида алоқа ўрнатиб, Муҳаммадшариф *оталиқ* ва туркий тилда ёзилган «Мунтахабут-таворих» асарининг муаллифи Ҳакимтўраларнинг фитна ва иғволари натижасида узилган муҳаббат ва бирлик занжирини қайта боғлаб, мустаҳкамладилар. Ҳижрий 1256 йили, зу-л-қаъда ойида⁸⁸² Муҳаммадалихон Тошканд ва Туркистон вилоятларини барча тобиотлари билан бирга ҳукмронлик ярлиғини укаси Султон Маҳмудбекка бериб, катта ҳашамат ва тажаммул билан Тошкент сари равона бўлди. Бу ернинг *волийси* Бекларбеги барча ашроф ва улуғлари билан Султон Маҳмудбек истиқболига чиқиб, ҳукумат марказига уни ўтказиб, хазина ва ҳукумат ишларини хонзодага топшириб, Хўканд дор ул-аморатига кетди.

Бу воқеалардан кейин Муҳаммадалихон ва укаси Султон Маҳмудбек, замона фитналаридан ҳам қутулиб, сипоҳ тарбияти ва аҳолининг турмушларини кўтариш учун ҳаракат қила бошладилар. Ҳижрий 1258 йили, рабиъ ал-авал ойида⁸⁸³ Бухоро амири Шаҳрисабз ҳокими Хўжақулибек *парвоначи* ва Ургут *волийси* Одилбек *парвоначига* нома ёзиб, уларни Фарғона сафарида унга ҳамроҳлик қилишларини таклиф қилди. Ўзи эса катта лашкари билан Самарқандга равона бўлди. Бу ерда Шаҳрисабздан Баҳодир *эшикоғоси*⁸⁸⁴, Дониёлбекнинг набераси бир неча фавж *кенагас* сипоҳи билан ва Ургут ҳокими Одилбек *парвоначи минглардан* тузилган катта сипоҳ билан келиб қўшилдилар. Бухоро амири Самарқанддан орасата ва пайваста бўлиб, манзил ва масофаларни кезиб, Оқсу мавзеида кўним топди. Муҳаммадалихон ҳам Бухоро амирининг ҳаракатларидан хабар топиб, Холбек *қўшунбеги*, Саййидбек *қўшунбеги*, Гадойбой *парвоначи*, Йўлдош *додхоҳ* ва Ибни Ямин *додхоҳ*ни Фарғона лашкари билан Хўжанд муҳофазати ва қўриқлаши учун юборди. Улар Бухоро амиридан илгари Хўжандга етиб келиб, қалъа ҳимояси ва дашт уруши бўйича машваратни бошладилар ва уруш илмини билмасликларидан, ғурур ва кибрдан ўзларидан бир неча карра кўп ва кучли бўлган лашкар билан очик дашт жангини танладилар. Қора бахт уларга тўғри фикрни танлаш учун имтиёз бермади. Қалъада туриб мудофаани ташлаб бир тор жойга етиб борганларида Бухоро қўшини билан юзма-юз учрашдилар. Қаттиқ уруш бошланди. Фарғона улуғларидан Холбек *қўшунбеги*, Гадойбой *парвоначи* ва Баҳодирхўжа *додхоҳ* жангнинг қизиганида бошқа сардорлар билан бирга ҳалок бўлдилар. Охир ул-амр ғалаба Бухоро лашкарига насиб этди, Фарғона сипоҳи қаттиқ шикаст топди. Фарғоналикларнинг аксари ҳалок бўлиб, Йўлдошбек *додхоҳ*, Ибни Яминбий ва Саййидбек *қўшунбеги*лар бир неча мўътабар кишилар ва сипоҳ аҳли билан асирга тушдилар ва Бухоро амирининг ҳукми билан қатл этилди. Қочиб кетган одамларни Бухоро сипоҳи таъқиб қилиб, кўпларини йўқлик денгизида ғарқ қилиб, биров нафар бу бало гирдобидан нажот соҳилига чиқдилар. Шу куни Бухоро амирлари Хўжанднинг аъён ва ашрофлари билан ярашиб, шаҳар дарвозалари улар учун очилганда ичкарига кирдилар. Савдо-сотик ва тижорат ишлари яна давом этди. Эртаси тонгда Бухоро аскарларининг амирлари берган ваъдаларига вафо қилмай шаҳарга ҳамла қилиб, дўконлар, маҳалла ва уйларга кириб, талон-тарожга қўл урдилар. Бир кеча кундуздан кейин бирор нарса кўзга кўринмагандагина Бухоро амири раият ҳолига раҳм қилиб, яширинган ва кўмилган нарсаларни Хўжанд аҳолисига қолдириб, лашкарни талончиликдан тўхтатди. Эртаси Хўканд дор ул-аморати томонига равона бўлди. Учинчи куни Беш ариғ қишлоғига етиб келиб, бу ерни лашкаргоҳга айлантириб, бир неча кун бу ерда ором топиб дам олди. Шу аснода Фарғона ҳукмдори Муҳаммадалихон ўзининг дилбанд фарзанди Муҳаммадаминбек ва Бекларбегини икки нафар олим билан бирга элчи қилиб, бурунги йил

⁸⁸² Милодий 1840 йил 25 декабрь – 1841 йил 24 январь.

⁸⁸³ Милодий 1842 йили 12 апрель – 12 май. Матнда 1257 йил хато кўрсатилган.

⁸⁸⁴ Эшикоғоси – сарой маҳрамлари ва соқчиларининг бошлиғи.

имзоланган ахдонома билан амир ҳузурига юборди. Улар амир ҳузурига келиб элчилик расмини бажо келтирганларида, амирнинг жаҳли чиқиб уларни асир қилди.

Шу кунларда Султон Маҳмудбек ўз сипоҳи билан Тошкентдан чиқиб, дор ул-аморат Хўқандга келди ва акаси Муҳаммадалихон мулоқотига мушарраф бўлди. Хони ғозий мулкдорлик ишлари, лашкария ва раият тутуми жиловини Султон Маҳмудбек қўлига берди. Шу вақтгача шаҳар атрофида қалъа ва хандақ бўлмаганидан, сипоҳ, раият ва мардикор ишлатиб хон ва Султон Маҳмудбекнинг топшириқлари билан, кеча ва кундуз ишлаб, шаҳар атрофини хандаққа ўхшаш қовлаб, чўп, тупроқ ва тош билан тўрт кун деганда тўсиқ билан ўраб олдилар. Бухоро амири Беш ариқ қишлоғидан ҳаракатга келиб, Қўш қўпрук мавзеида тушди ва эртаси Арзик тепага келди. 1258 йил, рабиъ ус-соний ойининг аввалида⁸⁸⁵, куёш Савр бўржида бўлган вақт Бухоро лашкари сафларини ростлаб, шаҳар атрофини амирлар амри билан ўзларига бўлиб мўлжал қилиб олдилар. Лашкар кўплигидан кеча ва кундуз қалъани олишга ва уни қуршаб, босмоқ учун жидду жаҳд қилдилар. Абусамад *нойиб* шиа, Бухоро сарбозлари ва *тўпчиларининг* амири ғарб томондан ўқ отар қуролларини ишга солиб, шаҳар истехкомини хароб қила бошлади. Хўқанд дор ул-аморатининг аҳолиси Бухоро лашкари билан бўлган жангда ғайрат ва шижоатлар кўрсатардилар. Бухорийлар очиладиган ҳар бир раҳна зудлик билан шаҳарликлар тарафидан қайта ёпилар, бухороликлар қайси тарафдан ҳужум қилсалар, уларни қилич ва милтиқ зарбидан қайтарардилар. Шу аҳволда бир неча кун ўтди. Бидъатчи сўфилардан шайх Абдулқаҳҳор Бухорийким, Эшон Шайхча номи билан донг таратган эди ва Ҳожи Қаландар шайхким, отаси Мулло Самандар Самарқанд аҳлидан бўлиб Хўқандга келиб уни ватан қилган эди ва шу ўғли Ҳожи Қаландар шайх Минг ойим мадрасасида илм олиб, ҳаж сафарига ҳам бориб, қайтиши билан Хўқандда яшаб, Азимжонбой Шаҳрисабзийнинг куёви бўлиб олиб, шайхлик нағорасини уриб, бир талай аблахларни ўзининг макр домига туширганини, 1257 йил воқеалар доирасида, яъни ҳар иккала гўл, нодон ва козиб шайхларнинг «мўй муборак» воқеаси давомида баён қилиб, бу қоралама ўқувчиларини мазкур эшонлар аҳволдан хабардор қилинган эди.

Айни шу қамал давомида бу иккала риёкор, бебурд ва маккор шайх ўз муридлари ва тобеларига бош бўлиб, ғалаён ва фитна кўтариб, эълон қилдиларки, Бухоройи шарифни ўтган улуғларининг руҳлари бизга башорат бердиларки, Муҳаммадалихон ва унинг хонадонидан арвоҳлар юз угуриб, Фарғона мамлакати бугундан бошлаб қиёматгача Бухоройи шариф амирига насибу рўза айланди. Биз Бухоро лашкарига ёрдам бериш учун маъмур ва масъул бўлганмиз. Ким бу дунё молу хазинаси ва бойлигига толиб бўлса, охират савобини тиласа бизга қўшилиб, мадад ва ёрдам берсин. Бу чақириқни эшитган захоти шаҳарнинг барча авбош ва нобакорлари Эшон ҳузурига жам бўлиб, ҳар бир аблах топган теша, болта ва таёқни қўлга олиб, исён байроғини кўтариб, икки фирқага бўлиндилар. Шайх Абдулқаҳҳор шаҳарнинг бозор ва дўконларини, шайх Қаландар эса ўз издошлари билан ҳукумат хазинаси ва бойликларини ғорат қилиш учун ҳаракат қилдилар. Хўқанд дор ул-аморати ичида фитна ва исён кўтарилди. Фарғона сипоҳининг баъзилари давлат хазинаси ҳимоясига туриб, Қаландархўжа бош бўлган палидлар гуруҳи билан урушга киришдилар. Фарғона сипоҳи шаҳарликлар билан қалъа мудофааси ва истехкоми билан машғул бўлиб, Бухоро сипоҳи билан жанг қилаётган бир пайтда Абдулқаҳҳор эшонгаким, Эшон Шайхча номи билан машхур эди ва унинг гуруҳига қарши куч топилмади. Бу муфсидлар гуруҳи шаҳарнинг бозорлари ва дўконларини талон-тарож қилиб, уламолардан бирови уларни бу ёвуз ишлардан тўхтатмоқчи бўлиб, насиҳат қилса уни ушлаб олиб, болта ва калтак зарбидан шаҳид қилардилар. Бозорлар талашидан фориг бўлгач, Бухоро лашкари учун истехком ва йўлларни очиш учун улар Мўйи муборак тарафига шошдилар. Абдурахмон *юзбоши*⁸⁸⁶ ва шаҳар *калонтар*ларидан Иброҳимбой *амин* ва Абдурахим *оқсақол* уч юз сипоҳ ва олти юз раият билан Мўйи муборак тарафидаги истехкомда Сўфи *девоңбеги* Ҳисор ҳокими, Бердиёрбий Ўратепа ҳокими ва баъзи бухоролик аскарларига қарши жанг қилиб қаршилиқ кўрсатар эдилар. Шу вақтда золимларнинг бошлиғи шайх Абдулқаҳҳор Бухорий ўз нобакор издошлари билан Бухоро лашкарига ёрдам учун етиб келиб, шаҳарликларга қарши ур-йиқитга киришди. Бу ҳолни кўриб Бухоро сипоҳи ҳам далир бўлиб, мудофаада бўлган шаҳарликлар истехкомини раҳна ва вайрон қилиб, шаҳарга кирдилар. Фарғона сипоҳи ва шаҳарликлар икки тамондан ҳам ўраб олинди. Жанг асносида Абдурахмон *юзбоши* ва Иброҳимбой *амин*⁸⁸⁷ бир уюшма сипоҳ ва раият билан шаҳид бўлдилар. Кўпчилик асирга тушди. Талайгина халқ ва сипоҳ қочиб кетди. Бухоро сипоҳи нобакор

⁸⁸⁵ Милодий 1842 йили 12 май.

⁸⁸⁶ Юзбоши – юз нафар сарбоз, аскарга бошлиқ.

⁸⁸⁷ Амин – Бухоро амирлиги ва Туркистон генерал-губернаторлигида бир ёки бир неча кичик қишлоқни бошқарувчи ҳамда халқ томонидан сайланган амалдор. Бухоро амирлигида амин амлокдорга, Туркистон генерал-губернаторлигида эса бўлис (волость) бошлиғига бўйсунган. Аминнинг асосий вазифаси аҳолидан ўлпон ва солиқ йиғиш, аҳоли устидан назорат қилиш, сув тақсимлаш (Амини об) эди. Бозорда мол сотувчилардан бозор ҳақи йиғувчи амалдор ҳам амин дейилган.

бузғунчилар иттифоқи билан Колвак маҳалласигача келганда, бу ерда шаҳарликлар эллик нафар Фарғона сипоҳи билан бухороликлар ва бузғунчилар йўлини катта тўсинлар ва аробалар билан тўсиб, банд қилиб унинг орқасидан мудофаа ва муҳорабага тайёр турардилар. Улар тажовузга қарши чиқиб жангга киришдилар. Сўфи *девонбеги* ва Бердиёрбий бу ерда уруш ва саваш қилардилар. Шу аснода Иброҳим *парвоначи* Хаёл Бухоронинг бир қисм сипоҳи билан Қайнарбулоқ ҳудудида шаҳар муҳосираси билан машғул эди ва шайх Абдулқаҳҳор Бухорийни исёнчи гуруҳи ва муридлари ҳамда бир фавж Бухоро сипоҳи билан уларнинг кўмакига юборди. Бу жамоа у ерга бориб шаҳарликлар билан жанг ва жидол қилдилар. Шу фурсатда Иброҳим *парвоначи* Хаёл ўз сипоҳи билан ҳужумга ўтиб, шаҳарликлар истехкомини қўлга киргизиб, раҳналар солиб шаҳарга кирдилар ва Худойқули понсадбоши, Мулло Йўлдошбой амин, Сотиболди оқсакол бошчилигида бўлган беш юз сипоҳи ва минг нафарга яқин шаҳарликлар билан қаттиқ жанг қилдилар. Худойқули понсадбоши ва шаҳар улуғлари ҳамда бир жамоа хўқандликлар ҳалок бўлдилар, бир қисм асирга тушди, баъзи мудофаачилар қочиб кетишди. Бу ерда ҳам бухороликлар ғалаба қилиб, Иброҳим *парвоначи* Бухоро сипоҳи билан ва шайх ўз сафдошлари билан Найманча тарафидан Бухоро сарбозлари ва *тўпчилар* фавжлари билан шаҳарга ҳамла қилиб, босишга саъй ва ҳаракат қилаётган Абдусамад *нойиб* шиа мадади учун шошдилар.

Тошканд *волийси* Султон Маҳмудбек етти минглик Фарғона сипоҳи билан мана шу тарафдан шаҳар қамали ва ҳужумига тайинланган Бухоро кўшинининг асосий қисмларини, сарбоз ва *тўпчиларини* даф қилиш учун мардона жидду жаҳд қиларди. Шу аснода Ҳожи Қаландар шайхким, ўз авбошлари ва издошлари билан хазина талон-тарожига келиб амирлик саройи ва бўш қасрни ўраб олган эди, дор ул-амора сипоҳи тарафидан бир гуруҳ нобакорлари билан ўлдирилди. Шунда бошқалар ҳар тарафга тарқалиб кетдилар. Бу нобакорлар ёвузликларини даф этгандан сўнг Муҳаммадалихон укаси Султон Маҳмудхон ва Фарғона лашкарига ёрдам бериш учун шошмоқчи эди. Аммо аллақачон Муҳаммадалихон шайх Қаландар хожи ва унинг муридларию тобелари билан машғул бўлган вақтда Абдусамад *нойиб* ва Бухоро сипоҳининг катта қисми, Иброҳим *парвоначи*, шайх Абдулқаҳҳор Бухорий ва унинг сафдошлари Султон Маҳмудбек ва Фарғона сипоҳини ўраб олиб, шаҳарликларнинг бандд ва истехкомларини бузиб ташлаб, ҳар томондан ҳужумга ўтиб, бало ва азоб гирдобига гирифторм қилган эдилар. Мадад вақти ва ёрдам вақти ўтиб кетган эди, Фарғона сипоҳига катта шикаст тегиб, анча кўп фарғоналиклар шахидлик шарбатини ичиб, катта қисми асирлик бандига тушиб, гирифторм бўлгандилар. Султон Маҳмудбек кам хос одамлари билан бу ҳалокат жойидан ташқарига чиқиб, қочишга юзланди. Холиққули деган бир *маҳрамини* акаси Муҳаммадалихон ҳузурига юбориб, сипоҳнинг мағлуб бўлиш ва бу бахтсизлик аломати бўлган воқеадан хабардор қилиб, дарак бердики: «Бу шаҳарда истиқомат энди жойиз эмас, бизлар Узганд қалъасига кетдик. Маслаҳат ул жанобга шулким, ўз хос мулозимлари ва муътамадлари билан бу томонга ҳаракат қилсинлар. Бу қалъага бориб, лашкарияни йиғиб, жанг асбоблари билан таъминлашга саъй ва ҳаракатлар қилиб, тартиб ва интизом билан бухороликлар жангига киришсак». Бу чопар келиб Муҳаммадалихон ҳузурига даҳшатли ҳодисалар ва фожиавий воқеаларни Султон Маҳмудбек хабарини айтиши билан, Муҳаммадалихон дарров хазинадан нимаики кўтариб кетиши мумкин ва муяссар бўлса олиб, хос одамлари ва кичик кўшин билан ўша вақтнинг ўзида Фарғонанинг энг метин ва мустаҳкам қалъаларидан бири бўлган Ўзганд қалъаси тарафига, маъруф ва обод йўллари ташлаб, дашт ва йўлсиз жойлардан равона бўлди. Муҳаммадалихон ва укаси Султон Маҳмудхоннинг кетиш куни Бухоро амири Хўқанд дор ул-аморатига дохил бўлди.

Бухоро лашкари ва шайх Абдулқаҳҳор Бухорий ўз муридлари, авбошу шумшук ва санқилардан бир катта жамоага бирлашиб, талон-тарожлик ишида, фасод ва исёнда шайхга ҳамроҳ бўлиб, шаҳар маҳаллаларини шундай таладиларки, уй-жой ва хоналарда бўйра нақшидан ва ўргимчак толасидан бошқа нарса қолмади. Бунга қаноатланмай аёл ва эркаларнинг аврат нарсаларини ечиб олиб, Фарғона халқига шунча кўп беномуслик ва зулмлар етказдиларки, ҳеч кимнинг ақлига сиғмасди. Бошқа ҳеч нарса қолмаганидан кейин ҳазрати амир топшириғи билан улар талашни тўхтатдилар. Бу талончилик тарихини бир шоир 1258/1842 йилида бундай ёзган. Таърих:

Соли торожи сипоҳи *мангити* бе раҳмро,
 Ҳар ки аз «ғорат» пўшад «чашм» мегардад аён⁸⁸⁸.
 [Мангити бераҳм сипоҳининг талончилик йилини,
 Ким ғоратдан кўз юмса бўлади маълум].

⁸⁸⁸ Таърих моддаси 1258/1842 йилдир.

Бердиёрбек Ўратепа ҳокими ва Маҳмудхўжайи намакҳаромийким, отаси Бухородан Умархон хизматига келган эди, Фарғона давлатхонаси хизматкорлари зумрасида тарбият топган бўлиб, Марғинонда таваллуд топган киши эди. У Умархон ва Муҳаммадалихонларнинг нон ва тузини еб ўсган бўлиб, бурунги йили Муҳаммадшариф *оталиқ* ва унинг қариндошлари Ўратепа урушида куфрони неъмат қилиб, валинеъматларидан юз ўгириб, Бухоро амирига кўшилганларида Маҳмудхўжа улар билан эди. Бу ҳақда ўз маҳаллида зикр қилинган эди. Шу аснода амири Бухоро амри билан улар катта сипоҳни олиб, Муҳаммадалихон ва Султон Маҳмудбек таъқибига шошдилар. Муҳаммадалихон Хўқанд дор ул-аморатидан Ўзганд қалъаси тарафига саҳро ва адирлар билан тез ҳаракат қилганида, аксар отлар ва юк ортирган улови, мулозимлари билан бирга ҳолдан тойиб, ҳаракатдан қолди. Кечаси зарурат юзасидан Марғилон тобеларидан бўлмиш Ёзи ёбон⁸⁸⁹ қишлоғида кўндилар. От ва туяларига дам бериб, ем-хашак бердилар ва эратаси мақсади сари юзландилар. Бердиёрбек ва Маҳмудхўжалар Бухоро сипоҳи билан Марғиноннинг Файзободига келиб тушганларида Муҳаммадалихон ва укаси Султон Маҳмудхондан қанча нишон қидирдилар, бирор бир хабар ёки асар топмадилар. Маҳмудхўжанинг ҳаромзодлик ва фирибгарлик томири ҳаракатга келиб, Бердиёрбек билан машварат қилиб, унга бир неча фавж билан Уч қўрғон⁸⁹⁰ қишлоғига бориб, Олойга олиб борадиган йўлни забт этишини, ўзи эса қолган сипоҳ билан Андижонга бориб, қаерда Муҳаммадалихон ва Султон Маҳмудбекдан дарак топса, ҳар қандай макр ва хийла билан бўлмасин уларни кўлга олишга қарор қилди. Шу қарорга амал қилиб Бердиёрбек сипоҳнинг бир қисми билан Уч қўрғонга равона бўлди. Нобакор Маҳмудхўжа эса Қубо⁸⁹¹ қишлоғига сафарга чиқди. Бир неча хос мулозимларига хат бериб, унда ўзини Бухоро амиридан воз кечиб, Муҳаммадалихон ва укасига таслим ва мухлис бўлишини, бухороликларга нисбатан чиндан ҳам қарши эканини ёзиб, юзаки онт ҳам ичган эдики, Муҳаммадалихон хизматида жонсипорлик камарини жонига бойлаб, танасида бир томчи қони қолгунча Фарғона давлати ва миллати душманининг дафи йўлида сусткашлик ва орқаташарлик қилмайди. Қиссадан ҳисса шуки, чопарлар айтилган ва кўрсатилган услуб билан хатни олиб Андижон ва Ўш атрофида юриб, хон ва унинг укасини топиш учун жосуслик ва айғоқчилик ҳам қилардилар. Учратган одамларга Маҳмудхўжани Бухоро амири билан муҳолиф бўлганини, хон хузурига бориш учун мунтазир турганини изҳор қилиб, Муҳаммадалихон турган жойини сўрардилар. Шу айёмда от-уловларининг толиққани ва юришдан қолишларидан хон мулозимлари жамоасида тушкунлик пайдо бўлди, аксар хизматкорлари уловсизликдан юришдан қолиб, ночор Муҳаммадалихон андак кишилари билан юз машаққат чекиб Андижон яқинидаги Бўтақора⁸⁹² қишлоғига етиб келди. Сафарга шайлангани ва от-улови юришдан қолганидан хон икки кишини либос сотиб олиб, бир савдогар қиёфасига кириши ҳамда от сотиб олишлари учун Андижонга юборишга мажбур бўлди. Улар Андижондан улов сотиб олиб, қайтиш чоғида, бахтга қарши Маҳмудхўжа юборган чопарларнинг бири билан учрашиб қолдилар. Ул чопар Маҳмудхўжани Бухоро амири билан қарши бўлганини ва уни Муҳаммадалихон билан учрашиш зарурлигини айтди. Ул икки гўл ва нодон киши бу қосиднинг мунофиқона сўзларига ишониб, Маҳмудхўжа кўмакига хомтамаъ бўлиб, қосидни Муҳаммадалихон жойидан хабардор қилдилар. Чопар улардан ажрашиб, бир неча фавж билан Андижон яқинига келиб кўним топган Маҳмудхўжа қошига келди ва бу хабарни унга билгизди. Намакҳаромий Маҳмудхўжа ўз сипоҳи билан суръат билан Бўтақора мавзеига шошди. Андижондан бир неча бош улов сотиб олган ул икки мулозим хон хузурига келиб, Маҳмудхўжа чопари билан учрашганлари ва уни Бухоро амиридан юз угуриб, хон хизматкорлигига иштиёқ билан киришни кутаётганини айтиб бердилар. Муҳаммадалихон у турган жойдан қосидни хабардор қилган бу икки аблахдан норози бўлиб, душман хавфидан ва мулозимларининг камлигидан даҳшатга тушиб, таваққуф қилмасдан йўлга отланди. Шу вақтда муфсид Маҳмудхўжа ўз фавжлари билан етиб келиб хонни ўн беш нафар мулозимлари билан ўраб олди. Хон шу камгина мулозимлари билан ҳам қаршилик кўрсатмоқчи эди. Буни кўриб Маҳмудхўжа билдики, жанг воқе бўлса хон тириклайин таслим бўлмайди. Амирдан ҳали хонни қатл этиш учун фармон бўлмаганидан, хон таъзими учун отдан пиёда бўлиб, ерни ўпиш ва бўйин эгиш расмини бажо келтириб арз қилдики, агар Бухоро амири томонидан бирор ёмон қасд ёки ёмонлик хон жаноби олийларига нисбатан борлигини билсам эди, ўз сипоҳим билан ўзим жон бериш камарини дилим белига бойлаб, ҳаётим борича сизга хизмат кўрсатишдан тоймасдим. Ва лекин бу банда ҳазрат амири Бухоро тарафидан зоти олийга нисбатан

⁸⁸⁹ Ёзи ёбон/Ёзёвон – Марғилон туманидаги қишлоқ ҳамда район номи (Ёзёвон райони).

⁸⁹⁰ Уч қўрғон – Наманган вилояти Уч-қўрғон туманидаги шаҳар, туман маркази. Вилоятнинг шимол-шарқида, Норин дарёси (Сирдарё ҳавзаси)нинг чап соҳилида. Қўқон – Андижон – Тошкўмир йўналишидаги темир йўл чорраҳасида, Намангандан 42 км шимол-шарқида жойлашган.

⁸⁹¹ Қубо – ҳозирги Қува шаҳри.

⁸⁹² Бўтақора – Андижон туманидаги қишлоқ номи.

мурувват ва муҳаббатдан ташқари бошқа нарса борлигини ҳис қилмаганман. Аниқ биламанки, аҳд ва паймонга келиб, мамлакатни сизга топшириб қайтиб кетмоқчилар, хавф ва ваҳшатни шарафли хотирларидан билкул олиб ташланг. Бу эски ва самимий ғуломингиз Фарғона давлатининг нону тузидан тарбият ва парвариш топганман, мулк ва давлатнинг осойишталигидан бошқа андишам йўқ. Бу сўзларни ғалат ва ёлғон онтлар билан мустаҳкамлаб ҳам қўйди. Бухоро сипоҳи хон ва унинг мулозимларини бутунлай ўраб олганларидан қутулиш ва қочиш йўли қолмаган эди, ночор хон тақдир илоҳийга тан бериб Бухоро сипоҳи билан Марғинон тарафига юриш жиловини бурди. Йўл асносида хон давлатхоҳлари уни бу ҳалокатдан халос қилиш учун шунча чора ва фурсат кидирдилар – муяссар бўлмади. Эртаси куни хон Бухоро сипоҳи биланким, зоҳирда хонга нисбатан ҳурмат кўрсатиб ботинда уни қўриқлаб келардилар Марғинонга келиб кирди. Муҳаммадшариф *оталиқ* ва унинг укаси Абдуваликим, барча қариндошлари ва яқинлари билан ўтган йили Ўратепа жангида куфрони неъмат қилиб Бухоро амири хизматига ўтган эдилар, шу кунларда Абдувалийси Бердиёрбек ва Маҳмудхўжа билан бирга Муҳаммадалихон ва Султон Маҳмудбек ортларидан маъмур бўлиб, Бухоро сипоҳининг бир фавжини олиб қўшинидан ажрашиб қолган Султон Маҳмудбекни, бир неча нафар паришонҳол ва қоқоқ хос мулозимлари билан бирга Қорасув мавзеида қўнганларида қўлга тушириб, Марғинонга олиб келган эди. Уни акаси Муҳаммадалихон билан бирга кечқурун Хўқанд дор ул-аморатига олиб кирдилар. Бухоро амири келиб жойлашган Фарғона хонининг саройидаги зангори кўшкидаким, уни Муҳаммадалихон бино қилган эди, амир ишораси билан уларни маҳбус қилиб жойлаштирдилар. Ҳижрий 1258 йили рабиъ ус-соний ойининг ўрталарида⁸⁹³ тун ярмидан ўтганда Муҳаммадалихон, Султон Маҳмудбек ибн Умархони жаннатмакон, Муҳаммадаминбек ибн Муҳаммадалихон, Муҳаммадалихоннинг онаси Моҳлар ойим⁸⁹⁴, Муҳаммадаминбекнинг онаси ва унинг ҳомиладор хотини, яна икки нафар муътабара аёл билан амир Насруллоҳ Бухорий ҳукмига биноан кўшки хоний билан туташ боғда шаҳодат даражасига етказдилар.

Муҳаммадалихон хони ғозий шаҳид ва фирдавсмаконийнинг хос табиблари бўлмиш Мирзо Исмоил ва мулло Зайниддиннинг аниқ сўзларига қараганда Муҳаммадалихонни Муҳаммадаминбекдан бошқа асил фарзанди бўлиши мумкин бўлмаган. Далиллари шуки, Муҳаммадаминбек таваллудидан кейин хоннинг таносил аъзоларига бир жароҳат пайдо бўлади. Хон уялиб ҳаёдан бу маразни яшириб, табибларга мурожаат қилмай хонаки дорилар билан даволаниб юрган экан. Бу иллат шиддат топиб кучайгандан сўнг табибларга мурожаат қилади. Бироқ табиблар «бу касалликни бошида даволаса бўлар эди, энди эса кеч бўлган. Бироқ даволатсак ҳам таносил ва таваллуд силсиласи қатъ бўлади», деган экан. Муҳаммадалихон шунга ҳам рози бўлганида табиблар уни даволайдилар ва хон соғайиб кетади.

Яна Холназарким, *турк* тоифасининг зодагонларидан ва Абулқосимким, Марғинон ашрофларининг авлодидандир ва ёшликларидан хон саройида тарбият топиб ўсган ва хон хизматида кўп вақтлар ҳозир у нозир ва сир-асрорига маҳрам эдилар, бу қораламанинг шарафли отаси Худоёрхон, илоҳо жаннати ризвонда абадий қолсин, ҳукуматининг охириги даврида бу иккала мавсуф *парвоначи* мартабасига етган эдилар, айтардиларким Муҳаммадалихонни Муҳаммадаминбекдан ташқари асл боласи бўлмаган. Айтардиларки, Музаффарбек ва Қаландарбек хоннинг қайси бир аммасининг болалари бўлиб, улар болалигида тувғонлари Аллоҳ раҳматига етганда хон уларни фарзандликка қабул қилиб, тарбия ва парвариш қилган. Баъзилар эса Музаффарбек ва Қаландарбекни хон авлодидан деб биладилар⁸⁹⁵.

⁸⁹³ Милодий 1842 йилда 12 май мазкур ой кирган.

⁸⁹⁴ Моҳлар ойим бинт Раҳмонқули ибн Ражаббек ибн Фозилбий оталиқ ибн Ҳожи Султон.

⁸⁹⁵ Муаллиф хонлик тарихида сезиларли из қолдирган бир аёлнинг болалари ҳақида сўз бошлаб унинг моҳиятини очмаган. Бизнингча у аждоди Муҳаммадалихон ҳаётида юз берган мана бу фожиавий воқеани эсламоқчи эмас. Асарда номлари келтирилган Музаффархон ва Қаландархон, баъзи манбаларда Мансурхон, учинчи боланинг оти номаълум Хонпошша бинт Сайид Ғозий Маҳмуд тўраининг болаларидир. Муаллиф Худоёрхонзода баъзиларнинг сўзларига биноан улар Муҳаммадалихоннинг болалари, деб охирида айтиб ўтса-да, бироқ Мадалининг қандайдир касаллиги туфайли ота бўла олмаслигини гувоҳлар билан исботлашга уринади. Ривоятларга қараганда Хонпошша Умархоннинг никоҳидаги хотини ёки канизаги бўлган. Муҳаммадалихон эса турли йўллар билан уни ўз никоҳига олган ва шу билан “ўз онасига уйланган” экан. Умархон назарига тушиб, ўғли унга ошиқ бўлган аёл ким эди? Муҳаммад Ҳакимхоннинг сўзларига қараганда, “шу аёл деб дини, диёнатини барбод этган Мадалихон” нима учун ўз ҳаётини, яқинларини ва давлатию раъиятини хавф остида қолдирди? В. В. Наливкин эса ўзининг “Қўқон хонлигининг қискача тарихи” асарида Мадалихон отасини Умархон эмас бошқа киши эканини айтиб ўтгани ҳам қизиқ (133-134, 137 бетлар).

Қўқон хонлиги тарихига оид асарларда ва бошқа манбаларда ҳам Умархон ҳамда Мадалихоннинг оилавий ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда кам учрайди. Фақатгина Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ут-таворих” асарида Умархон ва Мадалихон ҳарамидаги воқеалар баёни кенгрок келтирилган. Муҳаммад Ҳакимхоннинг маълумотлари, асосан, Мадалихонни айблаш, уни ўз отаси ва оиласига хиёнаткор қилиб кўрсатишга қаратилган. Бунинг муайян сабаблари бор, албатта. Тожир

Хўжандий “Ғаройиби сипоҳ” асарида келтирилишича, Умархон ўлимидан кейин Муҳаммад Ҳақимхоннинг онаси, Умархоннинг синглиси Офтоб ойим тахтга даъвогар бўлади. Ва ўғли Чинни тўрани хон этиб кўтаришга ҳаракат қилишади. Лекин Қосим бекларбеги Мадалихоннинг тоғаси ва Зокирхўжа шайх ул-ислом Мадалихонни тахтга ўтказдирадлар. Тожу тахтга интилиш сабаб аввал Муҳаммад Ҳақимхоннинг отаси Маъсумхон тўра, тўрт ойдан сўнг Муҳаммад Ҳақимхон хонликдан четлаштирилади. Шу боисдан ҳам Мадалихонга қасд қилиб, мухолиф кучларни бошқарган одам хонзода Муҳаммад Ҳақимхондир. Муҳаммад Ҳақимхоннинг онаси Офтоб ойимнинг тахтга даъвогар бўлиши ҳақида Муҳаммад Ҳақимхон асарида лом мим дейилмаган, лекин Муҳаммад Ҳақимхон ўч олиш учун ўз асарида далилларни шундай усталик билан келтирадики, ўқувчининг, албатта, Мадалихонни айбламасдан иложи қолмайди. Муҳаммад Ҳақимхон Мадалихонни айблаш учун куйидаги далилларни келтиради.

Умархон умрининг охириги йиллари бўлса керак, Андижонга келади. Муҳаммад Ҳақимхоннинг сўзларига қараганда, шу ерда “Умархоннинг бир канизаги Андижон ҳокимининг хотини Умархонга Саййидхўжа Ғозий деган бир ўратепалик кишининг ажойиб бир қизи борлиги ҳақида хабар етказди. Оти Хонпошша, унинг ҳусни жамолидан ойу қуёш ҳам коинотда айланишдан тўхтади, унинг нур сочаётган юзига қараб мунаввар қуёш ҳам юзига парда тортади, сарв дарахти унинг қади олдида рашкдан эгилиб қолади, у қадам босганида гулу бинафшалардан мушку амбар таралади, мажнунтолга ўхшаш сочлари ҳам мактовга лойиқ”. Муҳаммад Ҳақимхоннинг сўзларига қараганда “Умархон бу соҳибжамол тавсифини эшитган, унга ошиқ бўлган, қизнинг отаси Саййидхўжа Ғозий уйига аввал икки кампирни, кейин Баҳодирхўжа дастурхончини совчиликка юборади”. Рад жавобини олгач, яна Дастурхончини Муҳаммад Ҳақимхон ҳамроҳлигида юборади. Қизнинг отаси Умархоннинг ғазабидан кўрқиб соҳибтахтга қизини беришга рози бўлган эмиш”. Ҳақимхон бу воқеанинг чинлигига ишонтириш учун ўзини никоҳ кечаси Умархон чодирда бўлганилиги ва келин-куёв висолидан кулгиси келиб, чиқиб кетганилигини баён этади.

Яна бир далил. Ўша кечадан кейин негадир Хонпошшони Умархон Муҳаммад Ҳақимхоннинг онаси Офтоб ойимга “тарбия қилиш учун” беради, дейилади. Нимага Офтоб ойимга тарбиялаш учун берилади?! Қиз қандай тарбияга мўхтож эди? Гап шундаки, қиз фақат балоғатга етмаганлиги туфайли Умархоннинг синглисига берилиши мумкин (Ҳожи Ҳақимхон сўзига қараганда ўшанда қиз 13-14 ёшда бўлган). Асарда Муҳаммад Ҳақимхон ўзини, гарчи сир-асрорларини билгувчи қилиб кўрсатса – да, зийрак ўқувчи унга ишончсизлик билан қарайди. Умархоннинг жияни бўлганлиги учун ҳатто ҳарамга бемалол кириб чиқишини, аёллар у ва Мадалихондан юзларини яширмасликларини кўрсатади. Фараз қилайлик шундай ҳам бўлсин. Шу саҳифаларда Муҳаммад Ҳақимхон ёзади: “Бир куни Хонпошшо уйи олдида Мадалихон билан ўтирган эдик. Ўша соҳибжамол бизни ўз кўшига чойга таклиф қилди. Чой устида Мадалихоннинг кўзларида ошиқона нигоҳни сездим. Бундан Хонпошшо беҳабар эди. Қасрдан чиқиб Мадалихонга “дин ва диёнатингни ҳам сотиб юборибсан! Амир Умархонга айтсам минг жонингдан биттаси ҳам амон қолмайди”, – дедим. Мадалихон йиғлаб қасам ичгач, Умархонга айтмадим”.

Бизнингча, Муҳаммад Ҳақимхоннинг ҳам Хонпошшога нисбатан қандайдир туйғулари бўлган. Хонпошша бир муддат Муҳаммад Ҳақимхон оиласида “тарбия” топган бўлса, унда Муҳаммад Ҳақимхонда қизга нисбатан акалик меҳри туғилган бўлиши ҳам табиий. Умархон вафотидан кейин Ҳақимхон учун фожиавий воқеалар ва Мадалихон учун бахтли ҳаёт ибтидоси бошланди. Ҳаёт-мамот масаласи, бахту бахтсизлик, мурод ва номуродлик, садоқат ва хиёнат, висолу хижрон, сокинлик ва ғурбат йигирма йил бир-бирларини соядек қувиб юрди.

Мадалихон хонлик тахтига чиққач аввал Маъсумхон тўра (Офтоб ойимнинг эри) ни ҳажж сафари баҳонаси билан, кейин унинг ўғли Муҳаммад Ҳақимхонни тўрт ойлик камалишдан сўнг хонликдан бадарға этади. Кўп мамлакатларда бўлиб, Муҳаммад Ҳақимхон Бухоро ҳудудларида яшаб юради. У сафар натижалари ва Ўрта Осиё тарихига доир “Мунтахаб ут-таворих” (“Сайланган тарихлар”) асарини ёзишга киришади. Бухоро амири Насруллоҳ унга вазифа ва амал таклиф қилгани ҳам маълум (унга Кармана ҳокимлиги таклиф қилинган эди).

Муҳаммад Ҳақимхон ўз асарини тахминан 1843 йили ниҳоясига етказди ва асаридан нусха кўчиртириб, Бухоро амирлиги ва хонликлар ҳудудларида тарқатди. Кўпгина мамлакатларда бўлиб, талай воқеа ва ҳодисаларни бошдан кечириб, аввал Бухоро шаҳрида, кейин Шаҳрисабзда яшади. Лекин ватани – Қўқонга бўлган кизикиши ортиб бораверди. Мадалихоннинг Хонпошшога уйлангани ва ундан уч фарзанд кўрганини эшитиб, рашк ва алам аловида ёнди. Ўч олиш ҳисси шу даражада кучайдики, Мадалихонни йўқ қилиш учун амир Насруллоҳга хат ёзиб “дину шариятдан қайтган Мадалихон – модарзанни жазолаш”га чорлайди. Бу воқеа ривожининг чўққисидир. “Мунтахаб ут-таворих” асарининг охириги саҳифаларида бунинг тафсилотлари берилган.

Хўш Муҳаммадалихоннинг гуноҳи нимада? Муҳаммад Ҳақимхоннинг фикрича, отасининг хотинига, яъни “(ўғай)онаси”га уйланиб, ислом динини бўзганларида эди.

“Мунтахаб ут-таворих” асарида Муҳаммад Ҳақимхон Мадалининг Хонпошшони алдаб, “ривоят кўрсатиб” унга уйланишини ва халқ бундан хабардор бўлиб, ғазабга келганлиги, ҳатто амир Насруллоҳдан дин ва шарият ҳимояси йўлида ёрдам бериши сўралгани ҳақида муфассал баён қилади. Лекин аслида нима бўлганини айтиш қийин. Чунки Мадалихоннинг “жинояти” нимагадир XIX асрнинг 40 йилларининг бошларида долзарб бўлиб қолади. Ваҳоланки, хон соҳибжамол Хонпошшога у балоғатга етганидан сўнг уйланган бўлса ва учта фарзанд кўрган бўлса анча муддат ўтган бўлиши керак. Хонпошшо Мадалихон билан ўн тўққиз йил яшаганини Ҳақимхон ҳам айтган. Бу масалада “Анжум ут-таворих” муаллифи янги чизгиларни беради. Уларнинг асосийси Фарғонанинг Бухоро амири тарафидан босиб олиниши хонзода Султон Маҳмуд ва унинг тарафдорларининг тахтни эгаллаш учун ҳаракатлари бўлган. Султон Маҳмуд билан бирга бошқа кучлар ва уларнинг тарафдорлари ҳам ҳокимият учун курашиб, Мадалихонни тахтдан ағдариш учун амир кучларидан фойдаланмоқчи бўлган. Ўз навбатида доно амир Насруллоҳ Қўқон сиёсий ва ҳарбий ҳамда хонзодаларнинг ўзаро тахт ва ҳокимият таллашишларидан устамонлик билан фойдаланмоқчи бўлган ва бунга эришган ҳам. Бу тафсилотларни Худоёрхонзода ҳам яхши баён қилган.

“Мунтахаб ут-таворих” асарининг кўпгина нусхаларида Ҳақимхоннинг Мадалихон шаънига айtilган ҳақоратли сўзлари ўрнига “ғозий” ибораси ёзилган. Кўплаб асарларга манба бўлиб хизмат қилган “Мунтахаб ут-таворих”нинг ўзбек тилидаги нусхаларида бу нохуш воқеалар баёни анча юмшатиб берилган. Қўқонлик тарихчилардан Авазмухаммад Аттор эса бу воқеалар тафсилотини бошқа тахрирда беради ва кўп муаллифлар каторида ҳарам ишларига даҳолат қилмаслик йўлини тутади.

Агар биз Ҳақимхон маълумотларига танқидий ёндашадиган бўлсак, унда Хонпошшо Умархон назарига тушган бўлса ҳам, у ёш қизча бўлган. Умархон 1818 йили амир ал-муслимин ва-л-мўминин унвонини олгандан кейин ўз номи ва обрўсига путур етказадиган ишларни қилмаган бўларди. Бас, шундай экан, ғурбатга кун кечираётган ўратепалик Саййидхўжанинг

Муҳаммадалихондан қиз қолмаган. Муҳаммадалихон шаҳодат топгандан кейин унинг бир канизакини амир ўз ҳарамига олади.

Муҳаммадалихон давридан кўп бинолар ва жорий хайрия иншоотлари қолган. Жумладан, хон мадрасаси, Оҳангарон маҳалласидаги иккинчи мадрасаси. Хонинг онаси ҳам бир мадраса, каломуллоҳ ҳофизларининг доимий яшашлари учун битта қироатхона бино қилиб, уларнинг ҳар бири учун кўп вақфлар тайин қилган. Ҳозиргача улар шаръий илмларнинг толиблари билан тўладир.

Унинг давлати даврида Фарғона мамлакатада унинг амир ва вазирлари ҳам масжид ва мадрасалар, хайрия биноларни таъмир қилганлар, бу иншоотлар учун кўп вақфлар ажратганларки улардан кўпи ҳали ҳам мавжуд ва амал қилади. Аҳли ислом талабалари улардан фойдаланиб баҳра олмақдалар. Уларни бу мухтасарда батафсил баён қилинса чўзилиб кетади.

Муҳаммадлихоннинг ёши ўттиз еттида, ҳукумати 21 йил бўлган. Аср шоирлари унинг шаҳодати муносибатига кўп марсиялар ва таърихлар айтган. Шу маҳалда биттаси билан кифояландик. Таърих:

Амир Насруллоҳ он шоҳи Бухорий,
Ба хунрези бувад Ҳажжжи Соний.
[Амир Насруллоҳ ул шоҳи Бухорий,
Қон тўкишдадир Ҳажжжи Соний].

Бухоро амири Фарғона хони Муҳаммадалихон, укаси Султон Маҳмудбек, унинг ўғли Муҳаммадаминбек ва уларнинг аҳли аёли қатлидан хотиржам бўлди, уламо улуғлари, саййидлар, шайхлар, сипоҳ ва раиятнинг мўътабар намояндлари маҳоратпеша Фарғона хунар аҳлидан катта бир гуруҳини молу аёл ва фарзандларини гаров сифатида олиб, бир неча фавж сипоҳ билан Бухорога равона этди. Улуғ ва маъруф кишилардан бирор кишини Фарғона мамлакатада қолдирмади. Иброҳим девонбегийким, Иброҳим Хаёл номи билан машҳур эди Хуқанд ҳукуматига, намакҳаромий Муҳаммадшарифним, Фарғонанинг фитна ва шикастига сабабчи эди Тошканд волийлигига, Иброҳимбек девонбегийнинг укаси Абдулқодирбекни Марғинонга, Амонуллоҳхўжа судурни Намангон ва Сир дарёсининг шимолидаги барча ерларга то Қандир давонигача, Абдулқаримчани

обрўсига шундай тажовузлар қилармиди!? Агар Муҳаммад Ҳакимхон маълумотларини тўғри деб фараз қилсак; унда Мадалихоннинг ишқ-муҳаббат йўлида чеккан азоблари, маломатга қолиши ва давлатига путур етказиши ачинарли ҳол, албатта.

Бошқа тамондан Ҳакимхоннинг ўч олиш йўлида ҳарамдаги сир-асрорлардан ҳаммани воқиф этиб, шахсий – хусумати йўлида ватанининг истило қилинишига рози бўлиши ва унда ўзи фаол қатнашиши ҳеч кечирилмайдиган ҳолат. Буни “Анжум ут-таворих” муаллифи ҳам қайта-қайта тилга олган. Тахт талашини, шахсий хусуматлар хонлар тарихида шу даражадаги фожиали оқибатларга олиб келиб, натижада, уни 1842 йили баҳорда Ҳакимхоннинг саъй-ҳаракатлари, хонзода, хоин амирлар ва саркардаларнинг обрўли уламоларга, амир Насруллоҳ ва Султон Маҳмудга ёзган мактублари натижасида “маломат кишварининг хони” Мадалихоннинг “муҳаббат сирлари” Қўқон ва Бухоро аҳолисига маълум ва машҳур бўлди. Амир Насруллоҳ “диндан қайтган” Мадалихонга жазо бериш баҳонаси билан Қўқондани 1841 йил кузида босиб олди. Мадалихон укаси Султон Маҳмудга Тошкент мулкини бериб, кейин хонлик тахтини беришга рози бўлди. Лекин, хонликни босиб олишга ният қилган “дину шариат ҳомийси” амир 1842 йил 12 майда хонлик пойтахтини ҳам босиб олади. Хон, унинг ўғли Муҳаммадамин, укаси Султон Маҳмуд, онаси Нодира ва яна учта аёл қатл этилди. Шу фожиаларга сабаб бўлган Хонпошшо ва унинг учта фарзандлари Бухорога олиб кетилган. Бу мазлума аёл ҳам “1258 йил муборак рамазон ойининг ўн тўққизинчи окшоми душанба куни/1842 йили 24 октябрь, Ақрабнинг биринчисида ул ой бу фоний дунё билан бутунлай видолашиб, юзини охират олами сари ўгирди... Хонпошшо Умархоннинг ёнида икки йилу тўрт ой ором олганди. Ўн тўққиз йил давомида эса Муҳаммадалихон ёнида ҳаром умр кечирди. Тўла икки ой эса амир Насруллоҳнинг зўравонлик оғушида бўлди. Оқибатда шунча кўрган хузур-ҳаловатлари бу дунёда ул маломатда қолган бечоранинг бурнидан минг баробар бўлиб чиқди. Умри муддати ўттиз саккиз ёш бўлди”, деб ёзган Муҳаммадҳакимхон.

Аслида Умархонга Хонпошшонинг отаси уни тухфа қилади. Умархон унга уйланишига рози бўлади, аммо қиз балоғатга етмаганлиги сабабли, унаштириб қўяди, лекин никоҳ ўқитишни балоғатга еткунга қадар кечиктирилади. Аммо Умархон бу орада қаттиқ касал бўлиб вафот этади. Шундай қилиб никоҳ ўқилмаганлиги туфайли Хонпошшо Муҳаммадалига она (ўғай она) бўлмайди. Фақат никоҳ ўқилгандан кейингина қиз хотин хисобланади, бу жараён эса амалга ошмай қолади. Шунинг учун қўқонлик дин пешволари Муҳаммадали-хонга Хонпошшога уйланиши мумкин эканлиги ҳақида фатво чиқариб берадилар.

Қўқоннинг 1842 йил май ойидаги Бухоро амири томонидан босиб олишининг сабаби бу босқинчилик ва талон-торож, янги мулк ва бойликларни қўлга киритиш эди. Баҳонаси эса турли гуруҳ ва кучларнинг тахт учун курашлари ва ўз мақсадлари йўлида Мадалихоннинг шахсий ҳаётига аралашув билан бўлган фитналар бўлган. Натижада хонлик босиб олиниб, хон ва унинг авлоди қириб ташланди, мамлакат бир неча ой Бухоро давлати таркибида қолди. Бухоро ҳукмронлигини йўқ қилиш учун келган қипчоқ-қирғизлар Шералихонни тахтга ўтказиб, шу билан давлат ишларига аралаша бошладилар. Хонликнинг кейинги тарихи ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги зиддиятлардан, уруш ва низолардан иборат бўлиб қолади. XIX асрнинг ўрталаридаги Россия империясининг босқини эса бу қарама-қаршилик ва зиддиятларни янада ҳам чуқурлаштирди. Муфассал қаранг: Воҳидов Ш. Амир Насруллоҳнинг Қўқон хонлигига 1842 йилги юриши ҳақида (сабаб, баҳона ва оқибатлари) / Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда (Республика илмий-анжуман материаллари). – Фарғона, 2009. – Б. 174–183.

Андижонга ҳоким этиб тайинлаб, Бухорога қайтди. Музаффарбек ва Қаландарбекни ўзи билан Бухорога олиб кетди.

Фарғона халқи хон, хонзодалар, волидаси ва хонаводаларининг шаҳодат топганларини эшитиб, кўзларидан алам ва қайғу ёшлари фавворадек отилиб, сел бўлиб оқди, мотам ва аза тўфонида ғарқ бўлдилар. Фарғона халқи Бухоро амиридан хонни яна аҳду паймон билан тахтига қўйиб қайтиб кетади, деган умид қилган эдилар. Бироқ, ҳаммасининг акси бўлди. Фарғона халқи девоналардек, бухороликлар ва амирларидан нафратланиб, ярамас бухороликлар ҳукуматини даф қилиш учун бирлашиб, иноқлашдилар. Иззат ва икромли Фарғона саййидлардан Пошшоҳон тўра ибн Юсуфалихон тўра ибн Хонхўжа тўраким, Эрдонахон фирдавс ошиённинг куёви эди, Исҳоқхўжайи Косонийким, ўғли Саримсоқхўжайи *парвоначи* баракатли саййид Худоёрхон жаннатмакон даврида Фарғона сарбозларининг иккинчи *нойиблик* мартабасига етган эди, *мингия* сардорларидан Маҳаммадназарбек ибн Ирискулибек, *қирғизия* мўътабар раисларидан Юсуфбий *сору*⁸⁹⁶, *қипчоқия* бошлиқларидан Муҳаммадназарбий ибн Кўрўғлибий, Мулло Холбий ва Ўтамбой бийлар элчилик тариқасида Авлиё тобелигида бўлган Талас мавзеига, Шералихон ибн Ҳожибек ибн Абдурахмонбек ибн Абдулкаримхон ибн Шохруххон хизматига юбориб, Фарғона давлатининг меросий фармондорлик тахтига даъват қилдилар.

Собикан тахрир риштасига тортилган эдики, ҳижрий 1213⁸⁹⁷ йили, Олимхоннинг иккинчи йил ҳукмронлигида баъзи нобакор ва ғаламис одамлар махфий равишда Олимхонга қарши ёв бўлиб, уни тахтдан тушириб, унинг амакиси Ҳожибек ибн Абдурахмонбекни ҳукумат тепасига келтирмоқчи эдилар. Бироқ уларнинг фитналаридан Олимхон хабардор бўлиб, гуноҳлари исбот бўлганларни қатлга буюрди. Баъзи исёнчилар Бухорога қочиб кетдилар. Бу фитнада иштирок этган Ҳожибек учта ўғли Улуғбек, Шералибек ва Бекўғлибек ҳамда акалари Рустамбек, Фозилбек, Ёдгорбек, амакисининг болалари Довудкулибек, Бўтабек ва ҳоказоларни бир фавж сипоҳ бирла кечқурун Авлиё ота тобеларидан бўлмиш Талос мавзеига юборилди. Йўл давомида Ҳожибек Аллоҳ раҳматига етди, бошқа хонзодалар саломат ул мавзеге етиб бордилар. Уларни кўриқлаш учун посбонлар қўйиб, ҳар йили маошларини хазинадан бериб турардилар, Рустамбек, Фозилбек, Ёдгорбек, Довудкулибек, Бўтабек шу ерда боқий оламга шошдилар. Улуғбек ва Бекўғлибек Талосдаги бир масжидда қуръон тиловати билан машғул бўлган пайтларида тақдири илоҳий билан кўхна бинонинг гумбази тушиб, остида қолиб ўлдилар.

Шералихон *қирғизия* улуғларининг қизларидан икки нафарини ўз никоҳига олиб, қирқ беш йил шу мавзеда яшади. Унинг биринчи хотинидан Маллабек, Сўфибек ва Моҳлар ойим оламга келиб, иккинчи манкуҳасидан Абдурахмонбекким, *ўзбеклар* уни Саримсоқбек, деб атаганлар, Худоёрбек ҳамда Султон Муродбек билан Ой Чучук ойим деганлар борлиқ майдонида қадам қўйган эдилар. Илоҳий инояти биланким, ояти каримайи «Сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан»⁸⁹⁸ унинг беиллат қудратининг асаридан даракдир, ҳижрий 1258 йили, куёш Саратон бўржида эдики⁸⁹⁹, номлари юқорида келтирилган Фарғонанинг улуғлари ва раиятининг вакиллари Шералихон хузурига келиб, арзу ниёзмандлик билан Фарғона мамлақати аҳолисининг унинг бахтли ташрифи қадамларига мунтазир эканликларини, вилоятни ажнабийлар босиб олиб, Муҳаммадалихони жаннатошиённи аҳли байти билан шаҳодат топганини унга билгиздилар. Бу дилсўз воқеа тафсилотларини эшитиб, Шералихоннинг шафқат сийратли табиати рикқатга келиб, кўз ёшлари муборак соқолларига оқиб, ҳумоюн зотида бўлган фитрий макорим ал-ахлоқидан Фарғона мулки ва миллатига меҳрибонлик ва тарахҳум кўрсатиб, Фарғона улуғлари ва аҳолиси вакилларининг илтимос ва илтижоларини қабур мақоми етказди. Сипоҳ ва ҳарб асбобларини тажҳиз ва тартиб бергандан сўнгра, бир талай *сартия* ва *қирғизия баҳодирларининг* фавжлари билан Фарғона тарафига масъуд толей ёр бўлади, деб равона бўлди. Водий ва давонлардан ошиб ўтиб Намангон шаҳрида қўним топди.

Мангития истилоси ва Муҳаммадалихони шаҳид воқеаси вақтида ўлканинг атрофига тарқалиб кетган Фарғона лашкари Шералихоннинг нусрат келтирувчи узангисига келиб қўшилдилар. Ҳар тоифадан диловар йигитлар катта рағбат ва итоат билан келиб унинг давлати соясида туриб, фатҳ аломатли байроғи остида сафланардилар. Катта бир жамият ва уюшма пайдо бўлдики, бурунги хонлар даврида бундай жамоатни ҳеч ким кўрмаган эди. Хуллас калом Намангондан бу катта сипоҳ Чуст шаҳри тарафига ҳаракат қилиб, жумъа куни ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳи Чустий⁹⁰⁰ муборак

⁸⁹⁶ Сору – минг қабиласи уруғининг номи.

⁸⁹⁷ Милодий 1798–1799 йил.

⁸⁹⁸ Қуръони карим, 3:26.

⁸⁹⁹ Милодий 1842 йили, июнь-июльда.

⁹⁰⁰ Мавлоно Лутфуллоҳи Чустий (ваф.1572) накшбандия тариқатининг йирик намояндаларидан.

мозори ёнидаги Жоме масжидида катта ҳашамат билан намози жумани адо қилдилар. Бу ўлканинг аҳолиси шу ноҳияда бўлган Бухоронинг амалдорлари ва гумашталарини асир қилиб, хони олий ҳузурига олиб келдилар. Шу куни лашкарияни икки қисмга бўлиб, бирини катта аржуманд ўғли Саримсоқбек номи билан донги чиққан Абдурахмонбекка, иккинчи қисмини келинининг акаси Юсуфбий *соруга* бериб, уларни лашкар амирлари этиб тайинлаб, Хўқанд дор ул-аморати тарафига равона бўлди. Сир дарёсидан кемада кечиб ўтиб, бир неча фарсахни кезгандан кейин, лашкарияга дам ва истироҳат бериш учун Шайх Боязид мозори мубораги мавзеида бир кеча қолдилар. Эртаси якшанба куни бу манзилдан тезда ҳаракат қилиб, Саримсоқбек номи билан донг таратган Абдурахмонбек амир лашкар ва Муҳаммадназарбек *минглар* сардори Ер масжид тарафидан, иккинчи *амири лашкар* Юсуфбий *сору* Навбахор томонидан Хўқандга ҳужум қилдилар. Бухоро лашкари бу ерда истехком барпо қилиб турган эдилар ва озгина мудофаа ва муқобаладан сўнг бир қисм ўлдирилиб, аксари қочиб кетдилар. Шералихон лашкари Хўқанднинг шимолига қараб юрди. Хўқанд аҳолиси қўлларига болта, теша, кетмон, калтак, умуман топган ҳар бир нарсани олиб Шерали сипоҳига мадад бериш учун бир тану бир жон бўлишиб, Бухоро ва *мангитиия* сипоҳини йўқ қилишга бош кўтардилар. Бухоро *амири лашкари* Иброҳим Хаёл аҳволни кўриб, қаршилик кўрсатиш учун журъат қилолмай, шаҳарнинг жануб томонидан чиқиб қочишни ихтиёр қилди. Хоннинг қасри ва кўшикка кириб жойлашган Бухоронинг икки минг пиёда ва сарбозлари Хўқанд аҳолиси тарафидан кўршаб олиниб, уларга чекиниш ва қочиш йўлини тўсдилар. Бухоро сарбозлари қаср ичидан милтик ўқлари билан аҳоли ҳужумини қайтарардилар. Шу аснода фирузиасар лашкар этиб келиб, хонзода Саримсоқбек номи билан шўҳрат топган Абдурахмонбек фармонида биноан ҳар томондан ҳужумга ўтиб, нарвон ва арқонлар билан қалъа деворига чиқиб, кўпгина зафар паноҳ лашкарнинг *баҳодирлари* қаср ичкарасига кирдилар ва сарбозлар билан жангни бошладилар. Бир фавж дарвозани эгаллаб, уни очдилар ва бутун лашкар фавжлари қалъага тўкилиб кириб, Бухоро пиёдаларидан бирортаси тирик қолмади.

Якшанба куни қуёш Саратон буржининг ўртасида бўлган вақтда Саримсоқбек номи билан танилган Абдурахмонбек *амири лашкар* хонлик саройига кириб, *мингларнинг* сардори Муҳаммадназарбекни бир неча фавжи билан Иброҳим Хаёл Бухорий орқасидан юборди. Ўзи Юсуфбий *сору* билан бирга мулкни босиб олиш ва забт этиш ишлари билан машғул бўлди.

Айтадиларки, Хўқанд аҳолиси Шералихоннинг ҳумоюн мавкаби келиши хабарини эшитиб, ашрофу аёнлари билан жуда ҳам масрур ва шодмон бўлиб, бир неча фарсах унинг истиқболига шошдилар. Шаҳар аҳолисининг қолган қисмидан ёшу қари, оқилу нодон шаҳардан ташқари бўлган Сари мазор мавзеидан то хон саройининг дарвозасигача йўлнинг икки тарафига саф тортиб, ўзларининг валинеъматлари ва соҳиби тожу давлатларининг бахтли қадами ташрифига илҳоқ бўлиб, кутиб турардилар. Тўрт соатлик кутишлардан сўнг зафар аломатли хусравий байроқларнинг шамсия⁹⁰¹си Хўқанднинг шимол тарафидан кўриниб, Сари мазор осмонида хилпиради. Ҳазрати амир ал-муслимийн Шералихон фаровон азаматлик ва шавкатлик билан келиб, Фарғона халқининг ҳижрон кўрган дийдаларини ўзининг баракатосор вужуди билан мунаввар қилди. Қайси бир сафдан ўтмасин халойиқ унинг умри узайиши ва давлати абадий бўлишига баланд овоз билан дуо қиларди. Хонлик саройига келиб у шоҳзодаи номдор ва олитабор амирлар, шижоатшиор сардорлар билан кириб, ота-боболаридан ва шарафли аждодларидан қолган тахтига қарор топди.

Душанба куни, ҳижрий 1258 йил, жумода ас-сонийнинг йигирманчи кунидан кейин⁹⁰², қуёш Саратон буржида бўлган вақтда икромли уламо ва умаро иттифоқи, бутун аҳли ислом жамоасининг ижмои билан Фарғонанинг хонлик тожи ва жаҳонбонлик тахти Шералининг қутлуғли зоти билан оройиш ва намоиш топиб, шоҳлик тожи ва фармонберишлик гултожи унинг боши билан зеб-зийнат топди. Минбар боши ва дирҳаму динорлар юзи унинг исми шариф ва азим лақаби билан олий шараф ва баланд кадр топди. У адолат ва тотувлик тахтига ўтириб, лутф ва марҳамат эшикларини ланг очиб, ҳар бир кишини қадр мартабасига мос равишди инъом ва эҳсонлар билан тақдирлади. Замона ҳодисалари ва айём воқеаларидан, бегоналарнинг босқинчилигидан Фарғона мамлакатада ким зарар кўрган бўлса уларни қоплади, Ўзининг катта ўғли Абдурахмонбекни Фарғона сипоҳига *амири лашкар*, келинининг акаси Юсуфбий *соруни қўшунбеги* мансабига, Муҳаммадалихони шаҳиднинг тоғаси Муҳаммадназарбекни мазкур *қўшунбеги нойиби* қилиб тайинлаб, унга яна Андижон

⁹⁰¹ Шамсия – соябон, чатр, зонт.

⁹⁰² Милодий 1842 йил 30 июль.

хукуматини берди. Иккинчи ўғли Маллабекни Марғинон ҳокими, фархунда сийратли ўғли Худоёрнибекни Намангон *волийси* этиб тайинлади⁹⁰³.

Шералихон амир Насруллоҳ Бухорийнинг Фарғонага лашкар тортгани ва унинг оқибатларини йўқ қилиш сиёсий ишлар ва тадбирлар ичида энг муҳим бўлганидан, амирлар ва *волий*ларни лашкарлари билан ўз ҳузурида сақлаб, уларнинг ўринларида ишларни саранжом-саришта қилишлари учун *нойиб* ва вакиллари юборди. Хўқанд дор ул-аморати янги давлат юзага очилиши кунидан бошлаб, қайси бир шаҳар ва музофотда Бухоронинг амалдори, ҳокимлари ва сипоҳийлари бўлса раият ва аҳоли уларни қўлга олиб, Хўқанд дору-с-салтанатига, олий ҳукмдор ҳузурига ўзларининг аъён ва улуғлари орқали жўнатадилар. Бухоро улуғлари ва сипоҳийларидан кўплари, Фарғона бухороликлар тарафидан истило қилиниб олиб кетилганлар билан алмашиб олгунга қадар, гаров сифатида муваққатан ҳибсга ташланди.

Муҳаммадалихон ва унинг укаси Султон Маҳмудбекни ҳийла ва найранг билан асирга олиб, Бухоро амирига топшириб, шу хизмати ивазига Марғинон ҳокимининг *нойиб*и бўлиб олган намакҳаромий Маҳмудхўжа Марғинон аҳолиси томонидан қўлга олиниб, кишан ва занжирлар билан дор ул-аморат Хўқанд шаҳрига юборилди. Буюк олимлар ва ҳурматли *қозий*лар ҳукми билан Маҳмудхўжани кўфрони неъмат ва исёни учун ёмонларнинг ибратига дорга осдилар...⁹⁰⁴

⁹⁰³ “Мунтахаб ут-таворих” асарининг муаллифи Муҳаммадҳакимхоннинг маълумотида қараганда Шералихон 2 шаъбон 1260/16 август 1844 йили Муродхон томонидан қатл қилинган. Шунда у 55 ёшда бўлган, 2 йил ва бир ойу 25 кун хонлик қилган. Муродхон 9 кунлик хонликдан кейинг 9 шаъбон 1260/23 август 1844 йили қипчоқлар қўлида Мусулмонқули ва Муҳаммадназарбек раҳбарлигида ўлдирилган. Худоёрхон 24 августда тахтга кўтарилди. Қаранг: Муҳаммадҳакимхон. Мунтахаб ут-таворих / Кириш, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 126.

⁹⁰⁴ Асарнинг иккинчи нусхасида (153^б) котиб Абдулқодир Муродовнинг шундай қайдлари мавжуд: “Шу ерда муаллифнинг китобати қатъ бўлди, лекин бу “Анжум ут-таворих” китобининг муаллифи Ибн Худоёрбек ўз мукаддимасида бу тарих (китоб)ини икки қисмга тақсим қилиб, биринчи дафтари “Фарғона ва Мовароуннаҳр хонлари ажодларининг то отаси Худоёрхонким, Фарғонанинг охирги хонларидан эди давригача бўлган зикри” эди ва иккинчи дафтари Худоёрхоннинг Фарғона тахтига чиқиб, муаллифнинг охирги ҳаёти, сана 1318/1900–1901 йилгача бўлган давр ёзилишини айтган. Бирок афсуски, “Анжум ут-таворих” китобининг иккинчи дафтари ҳозирча топилмади.

VI. Худаярханзаде. АНДЖУМУТ-ТАВАРИХ

О произведении “Анджумут-таварих” (“Звезды истории”)

Хотя имя автора данного произведения нигде точно не упоминается, но как показывают работы некоторых исследователей и отдельные опосредствованные факты, встречающиеся в самом произведении, его автором предположительно является один из сыновей Кокандского хана Худаярхана Мухаммад Амин или Ибн Ямин. Как известно, Ибн Ямин учился в гимназии, организованной в Ташкенте русскими и его некоторые воспоминания печатались на страницах изданий тех лет. В связи с этим мы предполагаем, что он вполне может быть автором данного трактата. По архивным данным 1881 г. Ибн Ямин беку (в архивных документах русских – Ибн Амин бек. Матерью его была третья жена Худаяр хана Мабишим. См.: Военно-исторический архив РФ. Ф.400, оп.1, ед.хр. 718, л. 30.) было 12 лет, а книга начала создаваться приблизительно в 1900-1901 гг. Значит Ибн Ямин беку в это время было около 32 года.

Если учесть, что и у Мухаммад Амин бека (мать – Падшах бек, первая жена Худаяр хана. См.: тот же документ) имеются статьи о кокандских ханах, то он так же может являться автором данного произведения. В 1881 г. ему было 26 лет, тогда в 1901 г. ему было уже 46 лет.

Таким образом, чтобы точно установить авторство книги необходимо иметь образцы письма обоих братьев и сравнить их с текстом “Звезд истории”.

Первые сведения в научных источниках о “Звездах истории” (“Анджумут-таварих”) мы встречаем в книге члена-корреспондента Академии наук бывшей УзССР Р. Н. Набиева “Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худаярхана)” (Ташкент, 1973. – С. 13–15). Рашид Набиевич Набиев предлагает в качестве источника произведения его рукописный текст из своей личной коллекции и утверждает это произведение занимает важное место кокандской историографии.

Рукопись на таджикском языке, переписана на страницах русской конторской книги простым карандашом и фиолетовыми чернилами. На наш взгляд, это были черновые записки автора.

На разлитых страницах рукописи встречаются комментарии, отметки на полях, перечеркнутые и заново написанные места, подчас часть текста полностью перечеркнута. Карандашные записки представляют большую трудность для чтения. Общий объем – 235 страниц. Имеется несколько страниц в виде приложения. Рукопись без переплета. Р.Н.Набиев оригинал рукописи вместе с ее фотокопией, а также с другими рукописями и архивными материалами передал своему ученику Х.Н.Бабабекову и они по настоящее время хранятся в его личном архиве. Все научные исследования и перевод осуществлены по фотокопии рукописи.

Единственный авторский экземпляр рукописи “Звезд истории” поступил в личную библиотеку Р.Набиева в сороковых годах прошлого века. Еге ученому предоставил сотрудник бывшего музея истории народов Узбекистана Турды Миргиясов. По просьбе Р.Набиева в 1958 г. старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни, кандидат исторических наук каллиграф Абдулкадыр Мурадов с этого авторского экземпляра снял копию прекрасным насталиком. Поэтому с особой благодарностью следует подчеркнуть, что благодаря скрупулезному труду А.Мурадова в настоящее время мы имеем возможность ознакомиться со столь ценным памятником истории. Переписка была завершена 30 марта 1958 г. (ныне хранится в Фонде ИВ АН Уз под инв.№ 11366). Рукопись в простом картонном переплете, сверху заклеен желтой бумагой. Размер бумаги 29x19,5 см. Текст размером 23,5x13 см. переписан на фабричной бумаге. Лл. 27^а-75^а рукописной копии произведения оставлены чистыми точно так же, как в оригинале. С л.75^б до л. 153^б текст снова продолжен.

Следует отметить, что Абдулкадыр Мурадов в процессе переписки авторского варианта одновременно проводил так же серьезную исследовательскую работу, привел в порядок текст произведения согласно авторского плана, осуществил скрупулезную текстологическую работу. В частности, ученый озаглавил отдельные части произведения.

Автор трактата Худаяр ханзаде ставил перед собой цель в двух частях (тетрадах) полностью раскрыть историю ханов Коканда. По его плану первая часть должна была содержать “повествование о предках ханов Ферганы и Мавераннахра до восшествия на престол Худаяр хана”, а вторая часть ставила цель “оставить память о событиях в жизни народов Туркестана, начиная со времени восшествия на престол Худаяр хана до 1318/1900–1901 года”. А.Мурадов в конце переписанной им

самим копии произведения с сожалением пишет о том, что вторая часть “Звезд истории” не обнаружена. Оба рукописных варианта (авторский и переписанный А.Мурадовым) содержат лишь первую часть запланированного произведения. В первой части излагается история правления Захир ад-Дина Мухаммада Бабура и его потомков в Индии, Илик Тангрияр Султана по прозванию Алтын Бишик. Промежуточное время осталось не зафиксированным и предназначенные для этого листы оставлены чистыми. Последующее изложение событий начинается со времени правления Ашур Мухаммад хана – отца Шахрух бека (л.75^б).

Обратимся к содержанию глав первой части “Звезд истории”.

Произведение начинается с довольно обширного вступления. Здесь автор сообщает о том, что назвал свое произведение “Анджум ат-таварих” – “Звезды истории” (л.3^а). С л.3^б начинается первый раздел истории, озаглавленный “Изложение происхождения правителей Ферганы и Мавераннахра и упоминание их славных предков». Затем следуют разделы «Повесть о том, как мухаммад Бабур хан захватил Самарканд» (лл.8^а–13^а), “Повесть о Захир ад-дин Мухаммад падишахе” (лл.13^а–27^а), “История правления султана Илик хана по прозвищу Тангрияр хан”. По окончании этого раздела в повествовании происходит разрыв: часть текста не написана или утеряна. Листы, предназначенные для этих разделов также оставлены чистыми.

Сам автор, который происходит из племени минг, должен был бы быть заинтересованным вести свое древо от чингизидов и Амира Тимура, но он пытается вести свою родословную начиная от Бабура. Однако в составленной им генеалогии существуют пробелы и путаницы. В истории Худаяр ханзады представители династии мингов связаны с Бабуром в следующей последовательности: Алтын Бешик сын Мухаммад Мукима сына Мухаммад Хакима сына Хумаюн падишаха сына Бабура сына Умар Шейха. Матерью Алтын Бешика была Шараф ниса бегим дочь Вали Мухаммад хана. Когда Мухаммад Муким, отступив под натиском Имам Кули хана, прибыл в район Таргава, оставил представителям здешнего населения своего новорожденного сына, который потерял свою мать сразу после рождения. Это событие якобы произошло в 1020/1611–1612 г. Сам Мухаммад Муким также умер в г.Оше от полученных в боях ран. Алтын Бешик, став взрослым, женится на Кутлук Нигар ханым из племени минг. От них родился Тангрияр, или Худаёр хан [Первый]. Тангрияр хан впоследствии женился на дочери Имам Кули хана Фатиме Султан. От этого брака родились сыновья Султан Илик ва Мухаммад Амин. Мухаммад Амин с помощью своего деда Имам Кули хана захватил Хорезм и умер здесь после двухлетнего правления. От него в Фергане оставался один сын по имени Абу-л-Касым. Когда Алтын Бешик умер в 1066/1655–1656 г. в возрасте 46 лет, был возведен на престол Султан Илик хан.

Затем следуют разделы “История Ашур Мухаммад Хана и сына его Шахрух бека” (с л.75^б), “История и состояние государства Абд ар-Рахим хана” (л.76^а), “История правления сопутствуемого счастьем Абд-ал-Карим хана сына Шахрух хана” (лл.79^б–84^б), “Рассказ о правлении Абд ал-Каюм хана сына Абд ал-Рахим хана, известного по прозванию Ирдана хан” (л.84^б), “Повесть о Сулейман хане сыне Шади хана” (л.87^б), “Повесть о Абд ал-Хамид беке сыне Абд ар-Рахман бека сына абд ал-Карим хана по прозванию Нар Батыр” (л.88^а), “Повесть о правлении Алим хана сына Абд ал-Хамид хана” (л.95^а), “Повесть о правлении Умар хана сына Абд ал-Хамид хана” (л.113^б), “Повесть о Мухаммадали хане сыне Умар хана, чье место в раю” (лл.127^а–153^б).

На самом деле Хан пашша была подарена Умар хану ее отцом. Умар хан соглашается жениться на ней, но бракосочетание откладывается до совершеннолетия Хан пашши. Но за это время Умар хан сильно заболевает и умирает, бракосочетание остается не завершенным. А раз так, то Хан пашша не может быть мачехой Мадали хана. Поэтому кокандские улемы дают Мадали хану фетву (разрешение) на брак с девушкой.

Войны амира Бухары с Ферганским ханством и захват Коканда в мае месяце 1482 г. были продиктованы только захватническими целями, погоней за новыми владениями и богатствами. Междуусобные распри, царившие в этой стране, склоки между группировками только послужили амиру Бухары на руку и были поводом для оправдания своих действий. В результате ханство было захвачено, потомство хана истреблено, а страна в течение нескольких месяцев пребывала под властью Бухары. Кипчак-киргизы, пришедшие сюда, чтобы уничтожить владычество Бухары, посадили на трон Шер Али хана и тем самым стали вмешиваться в дела государства. Последующая история Ферганского ханства состояла из распрей между кочевыми племенами и оседлым населением. А нападение Российской империи на страну в середине XIX в. еще более углубили эти противоречия. Подробнее см.: Воҳидов Ш. Амир Насруллоҳнинг Қўқон хонлиги 1842 йилги юриши ҳақида (сабаб, баҳона ва оқибатлари) / Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда (Республика илмий-анжуман материаллари). – Фарғона, 2009. – Стр. 174–183.

¹²³⁰ Хаджджадж – наместник Ирака, умерший в 714 г. славивший своей жестокостью в отношении населения. Был знаменит и тем, что он как ученый внес много нового в изучении и распространении Корана и коранических наук. Например, по его инициативе текст Корана был делен на тридцать равных частей (джуз’).

Ферганы, оставив при себе их жен, детей и имущество в залог. Он не оставил в Фергане ни одного знаменитого и прославленного человека. Амир назначил Ибрахима диванбеги, известного по имени Ибрахим Хаял, правителем Коканда, неблагодарного Мухаммад Шарифа, который был зачинщиком смут в Фергане и падения Ферганского ханства, наместником Ташкента, Абд ал-Кадыр бека – младшего брата Ибрихим бека диванбеги правителем Маргелана, Амануллах ходжу судура наместником Намангана, а также всех земель на севере Сырдарьи вплоть до перевала Кандир, Абд ал-Каримчу правителем Андижана, затем вернулся в Бухару. Музаффар бека и Каландар бека забрал вместе с собой в Бухару.

Когда народ Ферганы узнал о мученической смерти хана, ханзаде, матери хана и домочадцев, из глаз всех людей полились ручьи слез скорби и обиды, все утонули в омуте траура. Народ Ферганы надеялся на то, что амир Бухары снова уйдет, заключив договор и вернув трон хану. Но все произошло наоборот. Народ Ферганы, как одержимый, стал презирать бухарцев и амиров, он стал объединяться, чтобы уничтожить подлых бухарцев. Тут один из уважаемых сеййидов Ферганы Пашша хан тура сын Юсуф Али хана туры сына Хан ходжа туры, который был зятем Ирдана хана, чье место в раю, Исхак ходжа Касани, сын которого Саримсақ ходжа парваначи при милостивом саййид Худаяр хане, чье место в раю, был удостоен степени второго наиба сарбазов Ферганы, один из старейшин племени минг Махаммад Назар бек сын Ирискули бека, один из уважаемых предводителей племени киргизов Юсуф бий сору¹²³¹, один из предводителей кипчаков Мухаммад Назар бий сын Кор-оглы бия, мулла Хал бий и Утам бай бий в качестве послов пришли в Талас, находившийся в пределах Аулия, к Шерали хану сыну Хаджи бека сына Абд ар-Рахман бека сына Абд ал-Карим хана сына Шахрух хана и призвали его занять наследственный трон Ферганы.

Ранее уже было нанизано на нить повествования, что 1213 года хиджры¹²³² на втором году правления Алим хана некоторые подлецы и смутьяны, тайно восстав против Алим хана, хотели сместить его с трона и поставить во главе государства его дядю (по отцу) Хаджи бека сына Абд ар-Рахман бека. Однако Алим хан, узнав об их интригах, приказал казнить всех, чья вина была доказана. Некоторые бунтовщики бежали в Бухару. Участники этих смут Хаджи бек с тремя сыновьями Улуг беком, Шерали беком и Бек-оглы беком, бартьями Рустам беком, Фазил беком, Ядгар беком, с сыновьями дяди (по отцу) Давуд Кули беком, Бута беком и другими вместе с отрядом воинов вечером ушли в Талас. По пути Хаджи бек умер, другие ханзаде во здравии достигли Таласа. Здесь для них были выделены охранники и каждый год они получали пособие из казны. Рустам бек, Фазил бек, Ядгар бек, Давуд Кули бек, Бутабек поспешили здесь в мир вечности. Улуг бек и Бек-оглы бек, когда были заняты чтением Корана в одной из мечетях Таласа, по воле Всевышнего погибли, оставшись под обрушившимся куполом старого здания.

Шерали хан взял себе в жены двух девушек и рода киргизов и сорок пять лет жил в этом месте. От его первой жены родились Малла бек, Суфи бек и Махлар айим, а от второй жены на поле бытия вступили Абд ар-Рахман бек, узбеки называли его Сарымсақ беком, Худаяр бек, а также Султан Мурад бек с Ай-чучук айим. По воле Всевышнего, признаком безупречного могущества которого является священный аят “Ты даруешь владычество, кому пожелаешь, и отнимаешь владычество, у кого пожелаешь”¹²³³, в 1258 году хиджры, когда солнце находилось в созвездии Рака¹²³⁴, старейшины и представители подданных Ферганы, имена которых приведены выше, прибыли к Шер Али хану, нижайше сообщили ему, что население страны с нетерпением ждет его и что страну захватили чужаки и мученически убили Мухаммадали хана, чье место в раю, со всеми его домочадцами. Когда Шер Али хан услышал подробности этого испепеляющего душу события, его полное жалости сердце сжалось, слезы полились на его бороду. Он от рождения имел мягкий нрав, и посему он сжалился над подданными Ферганского государства и принял предложение их высоких представителей. После того, как были приведены в порядок войска и военное снаряжение, с многочисленными отрядами сартских и киргизских бахадыров, все, уповая на счастливую судьбу и удачу, отправились в сторону Ферганы. Пройдя по долинам, преодолев перевалы, остановились в в городе Намангане.

Ферганские воины, которые во время завоевания мангытов и событий, связанных с мученической смертью Мухаммадали, хана разбрелось по окрестностям края, присоединились к победоносному стремени Шер Али хана. Со всех сторон собирались смелые джигиты, которые с выражением готовности и повиновения становились под его победоносные знамена. Появилось также некое

¹²³¹ Сару – название одного из родов племени минг.

¹²³² 1798-1799 гг.

¹²³³ Коран, 3:26.

¹²³⁴ Приходится на июнь-июль 1842 г.

большое сообщество, которое никто не видел во времена прежних ханов. Словом, это большое войско из Намангана двинулось в сторону Чуста и в пятницу с большим торжеством справило пятничный намаз в Соборной мечети возле священной могилы маулана Лутфаллаха Чусты¹²³⁵. Население этого края захватили в плен находившихся здесь чиновников и приспешников Бухары и привели их к хану. В этот же день он разделил войско на две части, одну дал старшему сыну Абд ар-Рахман беку, известному под именем Сарымсак бек, вторую часть поручил младшему брату своей невестки Юсуф бий сару, назначил их амирами войска и направился в сторону Коканда. После того как на лодках пересекли Сырдарью и прошли несколько фарсахов пути, чтобы дать отдых войску, на одну ночь остановились в районе священного мазара шейха Баязида. На следующий день воскресным утром спешно двинулись с этого места и амир воинства Абд ар-Рахман бек, известный по имени Сарымсак бек, и предводитель мингов Мухаммад Назар бек со стороны мечети Ер, а второй амир воинства Юсуф бий сару со стороны Наубахара совершили нападение на Коканд. Бухарское войско устроило здесь укрепление, но после кратковременной обороны и сопротивления часть из них была убита, а большинство сбежало. Войско Шер Али хана двинулось на север Коканда. Население Коканда, схватив в руки топоры, тиша, кетмени, палки и другие орудия, которые попали в руки, как один встали на помощь войску Шур Али хана и двинулись, чтобы уничтожить бухарцев и мангытское войско. Когда амир воинства Бухары Ибрахим Хаял увидел создавшееся положение, то не решился оказывать сопротивление и вознамерился бежать через южную сторону города. Население Коканда окружило две тысячи сарбазов и пехотинцев бухарского войска, которые обосновались во дворце и тронном зале хана, и закрыло им путь к отступлению и побегу. Бухарские сарбазы ружейными выстрелами отражали нападение населения. Вот в таком положении дел подоспело победоносное войско и по приказу Абд ар-Рахман бека, известного под именем Сарымсак бек, со всех сторон перешло в наступление, воины с помощью веревок и лестниц взобрались на крепостные стены, многие из них проникли во внутрь крепости и начали бой с сарбазами. Один из отрядов занял ворота и открыл их. Тут все отряды устремились в крепость и не оставили в живых ни одного бухарского пехотинца.

В воскресенье, когда солнце находилось в середине созвездия Рака, амир воинства Абд ар-Рахман бек, известный по имени Сарымсак бек, вошел в ханский дворец и предводителя мингов Мухаммад Назар бека вместе с несколькими отрядами отправил вслед за Ибрахим Хаялом Бухари. Сам же вместе с Юсуф беком сару занялся делами захвата власти.

Рассказывают, что население Коканда, услышав о приближении державного кортежа Шер Али хана, вместе с уважаемыми и почтенными горожанами, радостные и довольные, поспешили к ему навстречу на несколько фарсахов вперед. Остальная часть населения города от мала до велика выстроилась по обе стороны дороги от загородного места Сар-и мазар вплоть до ворот ханского дворца и с нетерпением ожидали счастливой встречи со своим благодетелем и венценосцем. После четырех часового ожидания с северной стороны Коканда показались победоносных державные знамена и стали реять в небе Сар-и мазара. Господин амир правоверных Шер Али хан пришел со славой и доблестью, и осветил помутненные разлукой глаза ферганского народа своим сулящим изобилие существом. Через какой бы строй людей он не проходил, везде раздавались возгласы народа, желającego ему долгой жизни и вечного правления. Приблизившись к ханскому дворцу, он вместе с именитыми шахзаде, высокопоставленными амирами и отважными сардарами вошел в него и утвердился на троне своих дедов и славных предков.

В понедельник, после двадцатого дня месяца джумад ас-сани 1258 года хиджры¹²³⁶, когда солнце находилось в созвездии Рака, при единодушном согласии уважаемых улемов и амиров, на общем собрании всех мусульман ханский венец и трон владычества Ферганы украсились священной личностью Шер Али хана. Минбары мечетей и поверхность динаров и дирхемов обрели славу и величие его именем. Он, воссев на троне справедливости и мира, широко раскрыл двери милости и щедрости, каждого человека удостоил дарами и должностями в соответствии с его достоинством и положением. Все убытки, которые претерпел кто-либо в Ферганском государстве из-за бурных событий своего времени, из-за захватнических войн пришельцев, он покрыл их. Старшего сына Абд ар-Рахман бека назначил амиром ферганского войска, старшему брату своей невестки Юсуф бий саруну пожаловал должность кошунбеги, Мухаммад Назар бека – дядю мученика за веру

¹²³⁵ Маулана Лутфаллах Чусты (ум. в 1572 г.) – один из крупнейших представителей суфийского течения накшбандия.

¹²³⁶ 30 июля 1842 г.

Мухаммадали хана назначил наибом кошунбеги, ему еще отдал правление Андижаном. Второго сына Малла бека назначил правителем Маргелана, а сына Худаяр бека – наместником Намангана¹²³⁷.

Поскольку Шерали хан среди прочих политических дел и мер наиболее важными считал ликвидирование последствий захвата Ферганы амиром Бухары Насраллахом, оставил при себе амиров воинства и наместников [регионов страны], а вместо них для упорядочения дел направил туда наибов и представителей. Начиная со дня утверждения в стольном городе Коканде нового правления, в каком бы городе или районе страны не стояли бухарские чиновники, правители или воины, народ ловил их и через своих старейшин и чиновников отправлял в Коканд к высочайшему правителю. Многие высокопоставленные лица и воины Бухары были временно заключены в тюрьму в качестве заложников до тех пор, пока не будут обменены на тех ферганцев, которые были уведены в Бухару во время бухарского завоевания.

Неблагодарный Махмуд ходжа, который хитростью и обманом пленил Мухаммадали хана и его младшего брата Султан Махмуд бека, сдал их амиру Бухары и за эти свои заслуги стал наибом правителя Маргелана, был схвачен населением Маргелана, посажен в цепи и отправлен в стольный Коканд. По решению крупных ученых и уважаемых казиев Махмуд ходжа за свой бунт и неблагодарность был казнен в назидание злонамеренным людям...¹²³⁸.

Словарь терминов и непереведенных слов

Амин - в Бухарском эмирате и Туркестанском генерал-губернаторстве выборное должностное лицо, управляющее одним или несколькими небольшими селениями. В Бухарском эмирате подчинялся крупным землевладельцам, Туркестанском генерал-губернаторстве начальнику волости. В основные обязанности входил сбор налогов и распределение воды среди населения. Сборщик налогов на базарах с торговцев также назывался амином.

Амирзаде – сын амира.

Арк – резиденция правителей.

Атабек – регент, советник наследника, правителя.

Аталык – ближайший советник и воспитатель (регент) обладателя или наследника престола. Назначался из глав самых крупных и влиятельных племен или представителей социальных сословий.

Бакаул – особо доверенный слуг, пробовавший пищу, прежде чем ее податкту государю

Баккал – бакалейщик.

Бейт – двестишие.

Бекларбеги – главный бек (букв. бек беков). Наиболее приближенное к правителю лицо, ведавшее государственными делами)

Былкыс – царица Савская.

Вакуфное имущество –

Везирь – министр.

Вилайет – область, административно-территориальное единство.

Газат, газават – священная война.

Газель – лирическое стихотворение, ода.

Гази – борец за веру.

Дадхах - требующий, желающий справедливости. Одна из должностей при дворе. В обязанности лица, занимающего эту должность, входило вручение хану (амиру) заявлений и прошений, получение и доставка ответа адресатам.

¹²³⁷ По сведениям автора “Избранных историй” Мухаммад Хаким хана Шерали хан был казнен по приказу Мурад хана второго ша’бан 1260 года хиджры (16 августа 1844 г.). Ему было 55 лет, сидел на троне ханства 2 года один месяц и 25 дней. Сам Мурад хан правил всего 9 дней и девятого ша’бан 1260 года хиджры (23 августа 1844 г.) был убит от руки кипчаков по инициативе Мусулман кула и Мухаммад Назар бека. Худаяр хан был возведен на трон 24 августа. См.: Мухаммадхакимхон. Мунтахаб ат-таворих / Кириш, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Стр. 126.

¹²³⁸ На втором экземпляре произведения (л.153^б) имеются следующие замечания каллиграфа Абдулкадыра Мурадова: “На этом месте повествованием автора обрывается. Но во вступительной части книги “Звезды истории” Ибн Худаяр бек сообщает, что разделил ее на две части, в первой из которых приводится история правления потомков ханов Ферганы и Мавераннахра до вступления на престол последнего из ферганских ханов отца автора настоящих записок Худаяр хана, а вторая часть рассказывает о событиях, начиная со вступления на престол Худаяр хана и до конца его жизни, т.е. до 1318 (1900–1901) г.х. Однако к сожалению вторая часть “Звезд истории” пока не обнаружена.

Джайгир/Джо гир – владелец, определенной территорий, земли, селения. Джайгир/джо гир – один из форм землевладения в Индии при Бабуридах. Владелец джайгира- джагирдар брал себе одну часть государственного налога, взимаемого с джайгира. Взамен этого он должен был содержать определенное количество вооруженных всадников, артиллерии и вьючных животных, а также строить мосты, поливные сооружения и поддерживать их в надлежащем состоянии. Владельцы джайгиров часто менялись.

Джауза – название третьего месяца солнечного года, соответствующего периоду 22 мая-21 июня
джахрия – громкий зикр, радения.

Джилау кошунбеги – см. Кўшунбеги-и джилау

Джихад – священная война против неверных.

Джуги – среднеазиатские цигане.

Диван – канцелярия.

Диванбеги – начальник канцелярии.

Динар – золотая монета.

Дирхем – дирем; 2) единица измерения веса. Мелкая серебряная монета со средним весом 3,235 г.; 2) в Бухарском ханстве, Иране, Ираке, Афганистане и Турции служил денежной единицей.

Заkyat – подать, налог со скота и имущества в размере 1/40 в ханствах Средней Азии

Захид – благочесивый.

Зикр – упоминание имен Аллаха, радение.

Инак – один из высших чинов в Бухарском ханстве. Инак – в государствах правящих династий Центральной Азии XI–XIV вв. приравнивался должности советника или везиря. В Бухарском и Кокандском ханствах был доверенным лицом государя. В XVII–XVIII вв. при дворе бухарского амира были должности старшего инака (инақ-и калан) и младшего инака (инақ-и хурд). Старший инак по степени стоял после кукельташа и старшего кошунбеги (кошбеги-и калан). В обязанности старшего инака входило доведение ханских указов до нижестоящих должностных лиц и допускать к амиру лиц, удостоенных его аудиенции. Младший инак также был доверенным лицом хана. Ему было доверено хранить шкатулку с печатями. Он принимал прошения и жалобы на имя хана, во время приема послов передавал привезенные ими письма личному секретарю хана.

Ишикагабаши – начальник дворцовых слуг и стражников.

кадирия – название суфийского ордена кадирия. Основатель Абдулкадир Гилани.

Казий – судья.

Караулбеги – начальник охраны

Касыда – ода, поэма панегирического или дидактического содержания.

Кошунбеги – главнокомандующий войск

Кўшунбеги-и джилау – кошунбеги, находящийся при хане во время военных походов, военачальник свиты хана.

Курултай – мнг. Хурал – народ, и той праздник, сборище. Съезд.

Курух – ½ фарсанга, парасанга (4 км.)

Кутвал – командир крепости

Кыт'а – часть, кусок стихотворения.

Манн – мера веса

Мардикяр – разнорабочий.

Марсия – элегия.

Медресе – высшее мусульманское духовное учебное заведение

Месневи – панегирик.

Минбар – небольшое возвышение (кафедра), сооруженное из камня или досок в мечети и соборной мечети, откуда читают хутбу или проповедь)

Мингбаши – начальник войск из тысячи воинов.

Мир асад – начальник миршабов (полиции)

Мискал – мера веса. 3,6-4,8 г.

Мисра – стихотворная строка

Мударрис – преподаватель медресе.

Муджахид – правовед, достигший высшей степени в законоведении, в толковании законов.

Муниши – пиесец, начальник ханской канцелярии

Мухтасиб – лицо, наблюдавшее на базаре за точностью веса и мер, за правильностью употребления монетных единиц и за исполнением предписываемых шариатом религиозных обрядов и правил поведения

Муэдзин – духовное лицо при мечети призывающий (азан) мусульман на молитву.

Мюрид – последователь, ученик ишана, шейха или пира

Мюршид - духовный руководитель, наставник

Накиб – почетное звание, предоставляемое сайидам и ходжам. Накибы были обычно руководителями общин саййидов, которые вели свой род от пророка Мухаммада. Правящие круги через их посредство общались с сеййидскими общинами. Были ближайшими советниками хана и его спутниками в военных походах, Во время официальных приемов занимали первое место слева от хана.

Парваначи – должностное лицо, который заносил хану документы (прошения, жалобы и т.д.) и выносил от него ответы на них.

Рабат - сторожевой пост в укрепленной стене или самостоятельное укрепление, отстоявшее на некотором расстоянии от другого укрепления

Садр – чиновник, ведавший вакуфными и религиозными делами, смотритель вакуфного имущества. Должность и чин, предоставляемая сайидам и ходжи.

Садр-и судур - глава всех садров (см. садр)

Саййид – потомок Пророка Мухаммеда.

Салават – молитва.

Сарбаз – воин.

Сахибкиран – обладатель двух счастливых созвездий.

Судур – см. садр-и судур.

Сунна – обычай, пример жизни Мухаммеда как образец и руководство для всей мусульманской общины и каждого мусульманина, как источник материала для решения всех проблем жизни человека и общества.

Суфий – член суфийских братств. Странник, дервиш.

Тавачи – военная должность. В обязанности лица, занимающего эту должность, входила подготовка необходимого снаряжения войску перед военным походом. Вел контроль над войском, населением и пленными.

Такбир – формула возвеличивания Аллаха.

Талиб – студент духовного училища (*медресе*)

Тарикат – рел. путь духовного совершенствования (согласно учению мистиков-суфиев, состоящий в глубоком «внутреннем» соблюдении законов религии, в отличие от шариата, требующего внешнего исполнения религиозных обрядов и правил)

Тарих – хронограмма.

Туксаба – командующий военным отрядом имеющий «тук» (знамя).

Тупчи (баши) – начальник артиллерии. В его обязанности входило также вести контроль состояния укреплений и укреплений

Улемы – верхушка мусульманского духовенства

Улус – область, страна.

Ушр – десятина (*подать, налог в размере одной десятой всего урожая в пользу государства*)

Факих – богослов, знаток шариата.

Фард – 1) один, отдельный; 2) один из форм восточной поэзии, состоящий из одного двустишия или двустишие, извлеченное из отдельной газели)

Фарсах – мера длины. 1 фарсах 7-8 км.

Фетва - решение по какому-л. юридическому вопросу, вынесенное духовным лицом на основании догматов религии и шариата, или постановление, устанавливавшее допустимость того или иного действия с точки зрения шариата

Фулус – мелкая монета

Хан-и ханан – хан всех ханов, «шахиншах»

Хатиб – проповедник.

Ходжа – хозяин, господин. В Средней Азии почетное призвание людей, претендовавших на происхождение от четырех «праведных» халифов – Абу Бакра, Умара, (главным образом), Усмана и Али (за исключением потомков последнего от браков с дочерью Мухаммада Фатимой. Последних называли «Шариф»).

Хутба – проповедь, которую читает хатиб (проповедник) с минбара во время пятничной или праздничной молитвы, в которой упоминается также имя правителя государства)

Шахзаде – царевич.

Шариат – рел. свод мусульманских религиозных, уголовных и гражданских законов и правил, основанных на Коране

Шейх аль-ислам – глава мусульман. Назначался из саййидов и ходжей

Шигавул - сановник при ханском дворе, церемониймейстер. В Бухарском эмирате и Кокандском ханстве возглавлял и контролировал дворцовые приемы посольств. Но не имел права самостоятельно вести дипломатические переговоры.

Шихна - глава городских стражников.

Юзбаши – сотник, командующий сотней воинов.

Ясаулбаши – глава стражников, ясаулов.

VII. МУҲАММАДҲАКИМХОН. МУНТАХАБУТ-ТАВОРИХ¹²³⁹.

... Қуйида аштархонийлардан кейин улар ўрнига тахт тепасига келган иккита сулола хонадони ва насаби ҳақида сўз юритамиз. Улардан биринчиси ҳозир Бухорода ҳукм юргизиб ўтирган **манқитлар**¹²⁴⁰ сулоласи. Иккинчиси шу кунларда Хўқандда салтанат тепасида ўтирган **минг**¹²⁴¹ лар хонадони. **Юз**¹²⁴² ва **кенагас**¹²⁴³ ҳамда бошқа тоифалар давлати ҳақида эса мазкур икки салтанат баёни асносида қисқача гапириб ўтамиз, иншоаллоҳи таоло.

ЎН БИРИНЧИ ТОИФА

Манқит хонадонининг давлати ва насаби

Уларнинг биринчиси Раҳимхон¹²⁴⁴ ибн Ҳақим *оталиқ*¹²⁴⁵ ибн Худоёр *оталиқ* ибн Худойқулибий¹²⁴⁶ ибн Човушбий эди. Раҳимхон амирлик мансабига ўтиргач, кўпларни инъом ва эҳсонлар билан ўзига ром қилди. У табиатида ҳасад ва ғайирлик хислати ўта кучли ва жабру ситамни ўзига касб қилган бир киши эди. Аммо, шу золимлигига қарамай, кўплаб шоир ва фозиллар суҳбатини ҳам топганди.

Мовароуннахрнинг кўп ерларини шамшир зарби билан забт этди. Чунончи, ўша пайтда Хўқандда Эрдонабий валинаъмий ҳукмронлик қиларди. Ўратепа¹²⁴⁷ да Фозилбий валинаъмий ибн Содикбий ибн Саййидбий ибн Хушика *оталиқ* ибн Қулика бий ҳукм юргизарди. Шаҳрисабзда эса Олим бий ибн Иброҳим *оталиқ* ҳукмронликни ўз қўлида тутиб турарди. Ҳисори Шодмон¹²⁴⁸ да бўлса Муҳаммадаминбий ҳоким эди. Ва улардан ҳеч бири Раҳимхонни тан олмасдилар. Раҳимхон ўзбек улуғларининг аҳволини бу тариқа кўргач, кин ва адоват камарини белига боғлаб, улар душманлигини бартараф этиш сари юзланди. Олимбий ва Субҳонқулибийни бошқа кенагас амирлари билан бирга

¹²³⁹ Қаранг: Муҳаммадҳақимхон. Мунтахаб ут-таворих (Тарихлардан сайланма китоб) / Форс-тожик тиладан таржима, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Ҳ. Воҳидов. Кўрсаткичлар тузувчилари Д. Сангирова, Ш. Юнусов. – Тошкент: Янги аср авлоди. – 720 б.

¹²⁴⁰ Манқит/манғитлар – йирик қабилалардан бири. Ўзбекистон ҳудудида Бухоро воҳаси ва Қарши атрофида, Зарафшоннинг қуйи оқимида, ўрта оқимида, Чоржўй туманида, Жиззахда, Хоразмда яшаган. Минглар қорақалпоқлар ва Шимолий Кавказдаги нўғайлар таркибида ҳам бўлган, бир қисми эса Шимолий Афғонистонда яшаган. Ўзбекистонда яшовчи минглар бир қанча йирик ва майда уруғларга бўлинган. Энг йириклари: оқ манғит, оч манғит, қора манғит, чала манғит, бойгунди манғит. Булардан ташқари темирхўжа, исобой, гаулак, кўса, тоз, қорабайир, бақирчи, кула, тамғали, манғит қозоқ, ўн икки чўқай, гала ботир, бешкал, чобакчак, уз, увалай ва б. Манғитлар Бухоро хонлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Бу қабилла Қашқадарё вилоятида ҳам кучли ва ҳукмрон қабилалардан бирига айланган. 1753-1920 й.ларгача Бухорони идора қилиб келган хонлар манғитларнинг тўқ уруғидан бўлган, шу сабабли хонликда катта имтиёзларга эга эдилар. Мазкур сулоланинг намояндалари аввал Бухорода отоликлик мансабини қўлга олганлар. Кейинчалик чингизий хонларни тахтдан тушириб, ҳокимиятни ўз қўлларига олишган.

¹²⁴¹ Минг сулоласи – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Ҳозирги Самарканд вилояти, қисман Фарғона водийси ҳамда Бухоро воҳасида, тарқоқ ҳолда Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод, Денов туманларида, Хоразмда ва Тожикистоннинг Ҳисор туманида яшаганлар. Зарафшон водийсида яшовчи минглар учта йирик уруғга, бу уруғлар, ўз навбатида, яна бир қанча кичик уруғларга бўлинган: 1) туғали (ахмат, чағир, тўйи намоз, оқшиқ ва б.); 2) боғлон (чибли, қора, мирза ва б.); 3) увок тамғали (алғол, чаут, жайли, ўрамас, тўқнамоз, кию-хўжа, ярат) уруғлари. Минглар бошқирдлар таркибига ҳам кирган. Қўқон хонлари минглардан бўлган. Бухоро воҳасида яшаган Минглар ҳам Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Хонликдаги муҳим мансабларни мингларнинг бекалари эгаллаб келган. Ўратепа ва Ургут бекалари ҳам минглардан бўлган.

¹²⁴² Юз – Ўратепа шаҳри, Зомин, Бахмал, Булонғур атрофи билан биргаликдаги ҳудудда жойлашган кучли қабилла бўлган. Қаранг: Қирқ ва юз.

¹²⁴³ Кенагаслар – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Хоразм, Бухоро вилояти, Фарғона водийси, Қорақалпоғистон ва Шимолий Афғонистонда яшаган, таркибида бир қанча кичик қабилла ва уруғлар бўлган. Булардан энг йириклари очмайлари, кирей, абак кирей, овоқли, тароқли, чуют, қайри соли. ва ҳ. Шаҳрисабз ва Китоб атрофида ҳукмрон қабилла бўлган.

¹²⁴⁴ Раҳимхон манғит расман 1756 й. 16 декабрда хонлик тахтига кўтарилди.

¹²⁴⁵ Оталиқ – тахт эгаси ёки ворисининг ота ўрнидаги маслаҳатчиси, мураббийси (регент). У(лар) давлатда энг кучли бўлган қабилла бошлиқлари ёки ижтимоий табақа вакилларида тайинланган.

¹²⁴⁶ Бий – қабилла раҳбари, оқсоқоли.

¹²⁴⁷ Ўратепа/Истаравшан – Қўқон ва Бухоро давлати чегарасида жойлашган мулкнинг маркази. Фарғона, Зарафшон, Илок водийларини бир-бири билан боғлаб турган катта савдо йўли устида жойлашган қадимий шаҳар. Ҳозирда Тожикистондаги Суғд вилоятида туман маркази. Қадимда Усрушона/Истаравшан тарихий-жуғрофий ҳудуднинг маркази шу шаҳарнинг яқини (қадимий Киропол)да жойлашган эди.

¹²⁴⁸ Ҳисори Шодмон – араб манбаларидаги Шуман. Хонақо дарёсининг Кофарниҳонга қуйилши жойида барпо этилган шаҳар.

неча бир ҳийлаву тадбир воситасида ва ёлғон аҳду паймонларни ўртага қўйган ҳолда Шаҳрисабз¹²⁴⁹ қалъасидан ташқарида ўз олдига чорлади. Ва бу соддадил амирлар душман сўзига ишониб, ўз оёқлари ила қассобхона сари келдилар. **Байт:**

Вафо мажуй зи кас, дарзи ман мешнав,
Ба ҳарза толиби Симурғи кимиё мабош.
[Ҳеч кимдан вафо излама, эшит пандим.
Бекорга кимё Семурғини қўлга киритаман деб юрма].

Раҳимхон ҳузурига келган бу амирларга зўр иззат-икромлар кўрсатди. Аммо, у қанчалик зўр бериб, бу каби ҳийлаларни ишлатмасин, ўша пайтда Шаҳрисабзнинг икки фарсахлик масофа юқорисидаги Ўвах (?) қалъасида ҳокимлик қилаётган Муҳаммадюсуфбек¹²⁵⁰ни қўлга тушира олмади. Ноилож, акаси Ёвқочтибекнинг қизини унга бериб, ўзига куёв қилди ва неча бир қасамнома билан уни ҳам ниҳоят ўз олдига чақириб олишга эришди. Шундан сўнг кенагаснинг ўттиз икки муҳрдорини бир ерга йиғиб, уларни қатл этишга ҳукм берди. Айримлар айтишича, Раҳимхон бу ўттиз икки кенагас муҳрдорини бу воқеалар рўй бермасдан бурун ўлдиртирган экан. Аммо, гапнинг тўғрироғи ўша биринчисидир. Ул бегуноҳ мазлумлар неча бир хорлик билан шаҳидлик даражасига етиб, бу ўткинчи дунёдан этак силкишди. **Байт:**

Як кас ба зери гунбади нилуфари кай дид,
К-зи хуни дийда орази ў лолазор нест.
[Бу зангори осмон остида ким кўрибди ўзин,
Юзи қонли кўз ёшидан лолазор бўлмаганин].

Раҳимхон Шаҳрисабз мамлакатлари келинчаги Кешни рақиблардан холи кўргач, ўша томонга юзланиб, ул ҳудуднинг барчасини ўз тасарруфи остига киритиб, оғуши сари тортди ва бир неча кундан сўнг ул мулк ҳукуматини ўз ғуломи Қутлуқбой *девонбеги*¹²⁵¹га топшириб, ўзи Бухоро томонга қайтиб кетди. Бухорога келиб, бир неча кун йўл ҳордиқларини чиқариб, дам олди.

Раҳимхоннинг Ўратепа томон лашкар тортгани зикри

Раҳимхон ўзининг Ўратепага лашкар тортишидан бурунроқ Эрдонабий валинаъмини ўзининг қиёматлик фарзанди атаб, уни бу бўлажак юриш борасида огоҳлантирган эди. Шунга кўра ҳарбий сафардан олдин Эрдонабий олдига бир чопар юбориб, юришда ҳамкорлик қилиш учун таклиф қилди. Эрдонабий Раҳимхоннинг сўзини қабул қилиб, бутун Фарғона лашкарини йиғқанча Раҳимхон сари ошиқди. Бу хабарни Фозилбий валинаъми эшитиб, чуқур ўй ва фикр денгизига чўмди. Анча ўйлангач, Муҳаммадаминбий ҳузурига тезликда бир чопар юборди ва ўз ору-номусини унинг зиммасига юклаб, ушбу муҳим ишни Муҳаммадаминбийга ҳавола қилди. Муҳаммадаминбий ҳам Ҳисорнинг барча кўшинини йиғиб, Фон ва Фалғар¹²⁵² йўли орқали ўзини манзилу мақсад сари етказди.

Раҳимхон ва Эрдонабий Зомин¹²⁵³ мавзесида учрашгач, тутинган «ота-бола» бир-бирини бағрига босиб, кучоқлашиб кўришдилар. Ҳар икки томондан дўстона ҳурмат ва марҳаматлар юзага чиқди. Эртаси куни ҳар икки соҳиби давлат биргаликда сон-саноксиз лашкар билан қўзғалиб сал юргач, Ўратепага бир фарсахлик Обижомак¹²⁵⁴ мавзесида қўш ташлашди. Тонг оқаргач эса у ердан ҳам кўчиб, Истравшан¹²⁵⁵ қалъасини узук қошидек ўртага олиб, уруш ва қамал ишларига машғул бўлдилар. Бироқ, қамал муддати анча чўзилиб кетди. Шаҳар халқи қийин аҳволга тушиб, танг бир вазиятда қолдилар. Фозилбийнинг қай тадбир ва чора билан бу икки кўшин денгизи гирдобидан қутулишини билмай, боши қотди. Муҳаммадаминбий ўта тадбиркор ва иш билувчи, кўпни кўрган киши эди. Ана шу удабуронлиги ва маккорлиги орқасида унга «Муҳаммадамини шайтон» лақабини беришганди. Бир куни бир ҳийла ва тадбир ўйлаб топди ва Раҳимхоннинг ёлғондакам муҳри билан Эрдонабий номига ва яна бир хатни Эрдонабий номидан Раҳимхон номига битиб, ҳар иккала соҳиби давлатнинг ўрдусига юборди. Бу икки қалбаки хат ул олий мартабали зотлар қўлига етгач, уларни ўқиб кўриб, мазмуни билан танишганларидан сўнг ҳар иккаласи қалбида бир-бирига нисбатан шубҳа

¹²⁴⁹ Шаҳрисабз (Кеш) – бугунги кунда Шаҳрисабз тумани, Қашқадарё вилоятидаги шаҳар.

¹²⁵⁰ Бек – қабила бошлиғи, оксоколи, у ҳарбий гуруҳларга ҳам бошлиқ бўлган.

¹²⁵¹ Девонбеги – хон, амир девонининг бошлиғи.

¹²⁵² Фон ва Фалғар – Зарафшон дарёси юқори қисмидаги мулклар.

¹²⁵³ Зомин – Зомин тоғларининг этакларида, Самарқанд-Хўжанд йўлининг ўнг тарафида жойлашган шаҳар. Муаллиф даврида қалъа бўлган.

¹²⁵⁴ Обижомак – Ўратепадан бир фарсахлик масофада жойлашган жой.

¹²⁵⁵ Истравшан/Усрушона – тарихий-жуғрофий ҳудуд сифатида Жиззахдан Хўжандгача бўлган жойлардан таркиб топган эди.

ва гумону ҳадиклар пайдо бўлди. Дарҳол ўринларидан кўзғалиб, ҳар қайси ўз лашкари билан ҳар томонга кетишди. Шу тариқа тадбир тақдирга мувофиқ тушди. **Шеър:**

Аз он сард омад ин кохи диловез,
«Ки чун жо гарм карди» гўяд «хез»
[Бу чиройли саройнинг совуқ эканига сабаб,
«Ўринни қизитдингми, тур жойни бўшат» қонунидир].

Ва ўша зим-зиё қоронғу кечаси шундай бир қаттиқ шамол кўзғалдики, гўё ул икки лашкар хазрат Нуҳ *алайҳиссалом* тўфони ва Худ *алайҳиссалом*нинг ҳалокатли шамоли орасида қолган эдилар. Бухоро кўшини ва Хўқанд лашкари қаерга томон юришини ва ул даштда не янглиғ саргардону ҳайрон қадам босишини билмай қолдилар. Фозилбий ва Муҳаммадаминбий маслаҳатлашиб, Бухоро лашкарини ўз ҳолига қўйиб, Хўқанд кўшини кетидан тушдилар. Қаерга етишса, урушмасдан туриб хўқандликларни асир олишар, ғаним аскарларининг эса орқасига қайрилиб қарашларига сира ҳол ва тоқатлари қолмаган эди. Шу сабабли ўша куниси юз минг¹²⁵⁶ ўлдириб, каллаларидан миноралар ясашди. Ва Эрдонабий неча бир машаққат билан зўрға Хўқандга етиб олди. Аммо, Фозилбий ва Муҳаммадаминбий Бухоро лашкари ҳамласига дош бера олмай, ноилож неча бир дарду ҳасрат билан қочиш водийси сари юз тутиб, орқага қарамай қочиб кетдилар.

[Раҳимхоннинг Ҳисор вилояти устига юриб, Муҳаммадаминбийни асир олгани ва уни қатлга етказгани зикри]

Шундан сўнг Раҳимхон қасос илинжида Ҳисор томон бостириб борди ва урушда Муҳаммадаминбийни енгди ва Бухоро сарбозлари Муҳаммадаминбий хазинасининг барини талон-торож қилишди. Ва Раҳимхон барча Ҳисор вилоятини эгаллади. Икки-уч кундан сўнг ул бахти қайтган мирни беоқибат ўзбеклар* ушлаб, Раҳимхон ҳузурига олиб бордилар. Раҳимхон ва Муҳаммадамин ва ўзбекларнинг бошқа улуғлари соҳибқирон Нодир подшоҳ¹²⁵⁷ томонидан оқ уйлик бўлганларига қарамай, барибир, Муҳаммадаминбий юзнинг йўли ҳар жихатдан Раҳимхон манқитдан илдамроқ эди. Шунга кўра у сира бошини эгмас ва ҳеч кимни тан олмасди. Унинг бу ишидан Раҳимхон жуда ҳайратда юрарди. Фалак бу қисмат ўйинини кўрсатганда, Раҳимхон учун айни муддао бўлиб, шу туфайли бундан кейин *бий* иззат ва икромимни албатта ўз ўрнига қўяди, деган умидда эди. Бинобарин, дарҳол ўз ҳузурига чорлади. Айтишларича, ўша суҳбатда жуда кўп сайид,

¹²⁵⁶ Яъни Ўратепада ҳукмронлик қилаётган юз қабиласи минг сулоласидан бўлганларни ўлдирди.

* Манқит, минг, юз, қирқ, қўнғирот каби ўнлаб туркий уруғларнинг келиб чиқиши асли Дашти Қипчоқда Жўжихоннинг набираси Ўзбекхон Султон Муҳаммад (тахм. 1282-1342) – Олтин Ўрда хони (1312-42) Мангу Темурхоннинг набираси номи билан боғлиқ. Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми (жанубий-ғарбий Сибир)да Абулхайрхон асос солган (1428) давлат ва унинг аҳолиси “ўзбек улуси” дейилган. Пойтахти – Чинги-Тура (ҳоз. Тура) шаҳри. 1428-46 йилларда ўзбек улусига Орол денгизининг шимолий қирғоқларидан Иртиш дарёсининг ўрта оқимларигача, шарқда Сарису ва Чу дарёларидан ғарбда Ёйик (Урал) дарёсининг сўл соҳилларигача бўлган ерлар қараган. Ўзбек улуси уруғ-қабилачилик муносабатлари асосида барпо этилган. 92 бовл (эл-улуси)дан иборат кўчманчи мусулмон туркий халқларни Марказий Осиёда “ўзбек” номи остида тилга олишган ва 1924 йилдан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон ана шу халқ ном билан атала бошлади. Шунинг учун мазкур асарда муаллиф “ўзбек” номи остида тилга олган аҳоли Ўрта Осиёдаги ана шу уруғ вакиллари билдиради. Бу ва бошқа тарихий асарларни ўқиганда “ўзбек улуси”ни ҳозирги ўзбек миллати билан адаштирмаслик лозим.

¹²⁵⁷ Нодир подшоҳ – Нодиршоҳ Афшор (1688.22.X, Дерегёз – 1747.20.VI, Хабушон) – Эрон шоҳи (1736-47), кизилбошлиларнинг афшор қавмидан бўлган. Хуросонда ҳарбий қўмондон сифатида ўз фаолиятини бошлаган. 1726 й.да сафавийлар шоҳи Тахмосп II (ҳукмронлик даври: 1722-32)нинг ҳарбий хизматида ўтиб, Машҳаддан афғонларни қувиб чиқарган. Ҳиротдаги афғонларнинг абдал ва Хуросондаги туркман қабилаларига қарши курашда ғолиб келган (1729). Эронни босиб олиш учун уруш бошлаган Усмонли турк султонлигига қарши самарали кураши Нодиршоҳнинг нуфузини оширган (1730-31). Тахмосп II ни тахтдан ағдариб, унинг ўғли Аббос III ни шоҳ, ўзини эса унга ҳомий (регент) деб эълон қилган (1732). Турклар билан уруш тугагач, Эрон шоҳи бўлган (1736). Нодиршоҳ сафавийлар давлати ўрнида Эронда марказлашган йирик давлатга асосланган империя ташкил қилган. Қўшни давлатларга қарши талончилик юришлари ўтказиб, Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Доғистон, Афғонистон, Белужистон, Ўрта Осиёнинг катта қисми, Шимолий Ҳиндистонни босиб олган. Бухоро хонлигига қарши унинг юриши дастлаб муваффақиятсиз тугайди. Нодирнинг катта ўғли Ризоқули мирзо 1200 кишилик лашкари билан Амударёдан ўтиб, Қаршини қамал қилган. Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ ва Бухоро хони Абулфайзхон шаҳар ичида туриб душманга қарши курашганлар. Бухороликларнинг иттифоқчиси Хива хони Элбарс (ҳукмронлик даври: 1728-1740) катта кўшин билан етиб келгач, Ризоқули мирза шошилиқ сулҳ тузади ва орқага қайтади (1736). Бироқ Нодиршоҳнинг ўзи катта кўшинга бош бўлгач, Балхни эгаллаб, Бухоро устига юриш қилганида уни Муҳаммад Ҳакимбий ва ўғли Муҳаммадраҳим қўллаб-қувватлайди (1740). Бухоро устидан сиёсий ҳокими-ят ўрнатилгач, у Хива хонлигига қарши юриш қилади. Хонқани эгаллаш пайтида Хива хони Элбарс ўлдирилган (1740). Нодиршоҳ ҳукмронлигига қарши Хива ва Бухорода бир неча марта кўзғолонлар кўтарилган. Эронда ҳам ички низолар ва сарой фитналари кучаяди. Нодиршоҳ Хуросон ноиб, ўзининг жияни Алиқулихон томонидан Машҳадда ўлдирилган. Алиқулихон ўзини Одилшоҳ номи билан шоҳ деб эълон қилган. Нодиршоҳнинг ўлими билан Эрон давлатининг марказлаштириш жараёни тўхтаб қолган. ЎЗМЭ. Том 6. Тошканд: ЎЗМЭ. 2003. – Б. 379.

уламо ва амирлар тўпланишган экан. Муҳаммадаминбийни бу кўрунуш йиғинига боши очик, оёк яланг ҳолда киритишган. Шунда ҳам Муҳаммадаминбий Раҳимхонни назар-писандига илмай, уламо томонга қараганча «ассалому алайкум, эй уламо» дебди ва бу туркий байтни ўқибди, **байт** эса ушбудар:

Чу билдим ризқ эрур мақсадим, чекмам дўстдин миннат,
Қазодин хориж эрмас иш, адувға инқиёд этмам.

Раҳимхон бу каби муомала сўзларини Муҳаммадаминбийдан эшитгач: – Тилиннга ахлат, бу сўзларни деганинг билан барибир сен ҳеч қачон мусулмон бўлиб қолмайсан, – дебди ва қатлга ҳукм қилибди. Шунда бийни судраб-судраб, қалъа бозори бошига олиб чиқишибди. У анча йиллар шу вилоятда эркин ҳукм юргизган ва ҳеч бир соҳиби давлатга бош эндирмаган эди. Мана энди неча бир хорлик билан ўша бошини танидан жудо қилиб, дорга осишди.

Раҳимхон кўнглини Муҳаммадаминбий ишидан тинчитгач, Ҳисор вилоятини ўзининг амирларидан бирига бериб, Бухорога қайтди. Бир неча вақтдан сўнг Хоразм томонга лашкар тортди. У ердан ҳам музаффар ва мансур ҳолда катта ғалаба билан юртига келди ва бир неча кун давомида йўл чарчоқларини ёзиб, тин олди. Ва тағин бир неча муддат ўтиб, беҳуда гапларга уста ва хушомадгўй уламодин бир нечтаси «шариатда ўн икки минг кишига улуфа (нафақа) берадиган ҳар бир ҳокимнинг «подшоҳ»лик номи билан аталишга ҳукм бор» деган фатвони беришди. Буни уламолардан эшитган Раҳимхон дарҳол шоҳлик тожини бошига кийди ва салтанат тахтига ўтирди. Унинг номига хутба ўқиб, Раҳимхон кўрсатиб берган тарзда танга ўйдилар. Хотини Жонакпошшони ҳам малика сифатида сарой ҳарамидида подшоҳлик тахтига чиқарди. Айтишларича, хоннинг Мирзо Боқир исмли бир ўта ҳозиржавоб ва латифгўй *надими* бор экан. Бир куни хоннинг нима учундир Мирзо Боқирдан кўнгли қолиб, ўлимга ҳукм қилибди. Бечорани судраб-тортқилаб, хон олдидан олиб чиқиб кетишаётганда ушбу байтни бир зумда назм ипига териб, қуйидагиларни ўқибди, **шеър**:

Сарам буриду ба хокам нишонду хунам рехт,
Надонам ин чаманоро чи муддао дорад?

[Бошим кесди-ю, тупроққа ёнбошлатди, қоним тўкди,
Билмам, бу чаман безовчининг муддаоси недур?]

Унинг жавобида хон ҳам шу заҳоти бадеҳа тарзида ушбу **шеър**ни ўқибди:

Сарат буриду ба хокат нишонду хунат рехт,
Ҳануз ҳаққи намак бо ту корхо дорад.

[Бошинг кесди-ю, тупроқ узра ўтқизди ва тўкди қонинг,
Чунки, тузим ҳаққининг ҳали сенда яна иши кўпдир].

Мирзо Боқир яна бир бошқа байт айтмоқчи бўлган экан, хон дарҳол шундай дебди, **мисраъ**:

Инжо мақоми дам задани Жабрайил нест!

[Бу ер Жабрайилнинг сўз айтадиган жойи эмас!]

Мирзо Боқир қараса, иш қўлдан чиққан. Шунда у «энди барибир бўладигани бўлди, ўлишим аниқ, ётиб қолгунча отиб қолиш зарур» қабилида иш тутиб, жавобида ушбу **мисрани** айтибди:

Фиръавн, куштаи ту магар руди Нил нест?

[Фиръавн, сени ўлдирган Нил дарёси эмасми?]

Мирзонинг жавобидан хоннинг кулгиси қистаб, ғазаб олови сўнибди. Иттифоқо, ўша чоғда хон зумрад дастали пичоқда ўз тирноғини олаётган бўлиб, пичоқ эгри кетиб, хоннинг бармоғини кесиб юборибди ва қон оқа бошлабди. Хон пичоқни четга иткитиб, *надим*ларига қараганча «бундай пичоқни синдириб ташлаш керак» дебди. Бунга жавобан *надим*ларнинг ҳеч бири бирон нарса дея олишмабди. Мирзо Боқир эса: – Агар хон эгаи ин кордро ба ин ғулом меҳрубони мекарданд, қин қилиб осар эдим [аския қилиб тожикча ва туркий аралаш «агарда хон бу пичоқ эгасини менга меҳрубонлик қилиб берсалар, қин қилиб осар эдим»], – дебди Хон Мирзонинг бу нозиктаъблик билан айтган сўзларини эшитиб, роса кулибди ва пичоқ ёнига подшоҳона тўн ҳам қўшиб, Мирзога инъом қилибди ва бир қошиқ қонидан кечибди. Хон билан Мирзо ўртасида бўлиб ўтган бундай воқеалар ҳақида кўплаб ҳикоялар айтилади. Аммо бу ерда шу айтганимиз билан кифояландик.

Айтишларича, Раҳимхон бир куни Хожаи жаҳон номи билан танилган қутб ал-авлиё, ғавс ал-атқиё, ҳазрат хўжа Абдуҳолик Ғиждувоний мақбараси зиёратига борибди. У ерда бир беадабсизлик қилиб қўйибди ва шу заҳоти ранги-рўйи қорайиб, Бухорога қайтибди. Ўша кечаси бу ғурурга тўла саройдан борлиқ этагини йиғиштириб, охират уйи томон юзланибди. Чунончи, шоир айтмиш, **байт**:

Агар умр дори ҳазору дувист,
Ба жуз хоки тира туро жой нест.

[Бир минг икки юз ёшга кирган эсанг ҳам,
Сен учун қора тупроқдан ўзга жой йўқ].

Умри муддати ўттиз олти йил, амирлиги даври эса ўн йил бўлиб, икки йил подшоҳ номи остида ҳукм сурди. Яъни Бухородаги ҳукмронлиги жами ўн икки йил бўлди.

1177 ҳижрий/1763-64 йили Раҳимхоннинг *мирохур*¹²⁵⁸ и Бекназар Баҳодир *жилов*¹²⁵⁹ бу воқеадан сўнг қочиб, Шаҳрисабзга борди ва Кеш вилоятини ўз тасарруфи доирасига киритди. Кенагаснинг Очамайли (уруғи) амирлари сулоласи хонадони давлати шу зайл узилиб, Қайрасолди¹²⁶⁰ томон юзланди.

Раҳимхондан бирор фарзанд қолмади. Ўрнига амакиси Дониёл *оталиқ* ибн Ҳаким *оталиқ* амирлик тахтига ўтирди. У жуда юмшоқ табиат, тўғри сўз киши бўлиб, подшоҳлик унвонини ўзига эп кўрмади ва Чингизхон авлодидан саналмиш Абулғозихон исмли бир шахсни қайсидир бир бурчакдан топиб келиб, подшоҳлик лақаби билан қўғирчоқ ҳукмдор қилиб тахтга ўтказди. Мамлакатнинг ишларини эса ўз қўлига олди. Ҳар жумъа куни одатлари шундан иборат эдики, Кўрунуш маросими пайти ул бечорага подшоҳлик либосини кийгизиб, салтанат тахти устига ўтказишар ва Кўрунуш тугагач, қимматбаҳо кийимларни эгидан ечиб олишарди. Сўнг бу қўғирчоқ подшоҳ ёнида бир жиловдор билан Бухоро кўчаларини айланиб чиқарди.

Дониёл *оталиқ* Бухоро мамлакатини қўлга киритиш ишларидан тинчигач, кўнглини Раҳимхоннинг беваси Жонакпошшога уйланиш ва уни ўз никоҳига киритиш тараддуди сари қаратди. Чунки, анча йиллардан бери бу аёл ишқи ўқи унинг юрагини тешиб ўтган ва унинг ҳажрида оловга тушган соч толасидек жизғанак бўлиб куярди. Шоир демиш, **маснавий**:

Ишқ аст ҳазор шўъла дар тоб,
Ақл аст ҳазор реша дар об.
Шоҳаншаҳ бе сарири ишқ аст,
Султон хароб карди ишқ аст.
Чун оташи ишқ бифурўзад,
Фарзонаву ақли ҳар ду сўзад.
Чун ишқ расад бо оҳанин тоб,
Сад шўълаи оҳанин кунад об.
Бар куҳаи ғам кунад амори,
Бар маркаб чу кунад савори.
Аз хуни жигари нигор пайванд,
Аз силсилаи жунун кунад банд.
[Ишқ ёнаётган минг бир шуъла,
Ақл сувда ёйилган минг томир.
Шоҳаншоҳ ишқ ила тахтсиздир,
Султон ишқ сабаб бахтсиздир.
Ишқ оташи олса аланга агар,
Оқилу девона бирга тенг куяр.
Келса темирни эритгувчи ишқ,
Темирни сувдек қилиб эритар.
Ғам эгарин урса улов сағрисиға,
Сўнг ўтирса унга миниб шу отга.
Ошиқ жигарин янчиб қон этар,
Жунун занжирига боғлар ўзин].

Ниҳоят, ана шу айрилиқ тунлари тугаб, умид тонги отди. Дониёл *оталиқ* Мовароуннаҳр мамлакатлари келинчаги Бухорони қўлга киритгач, ул гўзал парипайкарни ҳам ўз никоҳига олиб, ҳар иккаласини ҳам бирданига оғушига тортди. Шоир бу **байт**ни шу тўғрида айтмиш:

Баҳамдуллоҳ ки ҳажр охир шуду ғам рафту ёр омад,
Зи жонсахти намурдан оқибат моро ба кор омад.
[Шукрки, айрилиқ тугаб, ғам кетиб, ёр келди,
Қаттиқ жонликдан ўлмаганимиз охир фойда берди].

Айтишларича, ўшанда ул гўзал ёр учун ниҳоятда ажойиб ва чиройли, ғоятда дилтортар ва назокатли бир либосни қадду қомастига мослаб тикишган эканки, ўз даврида бундайини ҳали кўз кўриб, қулоқ эшитмаган экан. **Назм**:

¹²⁵⁸ Мирохур – хон (амир) саройидаги отлар ва отхоналарга жавобгир амалдор.

¹²⁵⁹ Жилов – амир (хон) узангусидаги надим, маҳрам.

¹²⁶⁰ Қайра(б)солди – Шаҳрисабз атрофидаги Яккабоғ туманидаги номи ўзгарган бугунги Янги кўрғон қишлоғи, Амир Темур жамоа хўжалигида жойлашган.

Бале, ки зи дидани он шаклу рафтор,
Бубандад зоҳиди сад сола зуннор.
[Ҳа, ул шаклу қоматни кўриб,
Юз йиллик тоатли зоҳид диндан чиқади].

Айтишларича, бир куни маликанинг доя-энагаси ундан: «Эй жаҳон маликаси, учта соҳиби давлат подшоҳ кўйнида бўлдингиз. Айтингчи, улардан қай бирининг хислати кўнглингизга мос тушиб, юрагингизни завқ-шавққа тўлдирди?» деб сўрабди. Малика бу саволга кўйидаги жавобни берибди: «Эй энажон, ҳусну жамолни Элбарсхонда кўрдим, яхши хулқ-атворни Раҳимхонда кўрдим, жимо лаззатини эса Дониёл *оталиқ*дан топдим».

Азиз ўқувчи наздида яширин қолмасинким, бизнинг асримизда ҳам бу янглиғ иш юзага чиқиб турибди. Лекин бирон кимса бу каби ишлар борасида ақалли бирон сўз сўраб, қандай бўлмасин бирон жавоб эшитишни ўзига раво кўрмаяпти. Кўрганингиздек, ҳар қалай илгари замонда эса бунақа гаплар халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб, нақл қилиниб юрган экан. Мен эсам бир оғиз гап сўраб «ҳечқиси йўқ, *густохликнинг кечирилиши умиди бор*»¹²⁶¹ дегандан бошқа жавоб эшитмадим. **Байт:**

Чи гўям ки ногуфтанам бехтар аст,
Забон дар даҳан посбони сар аст.
[Нима дейин, айтмаганим яхшироқ,
Оғиз ичидаги тил бошга посбондир].

Ўша пайтларда Фозилбий валинаъмий фонийлик саройидан дору-л-бақога кўчиб ўтди. Умри муддати эллик саккиз йил бўлди. Унинг ўрнига ўғли Худоёрбий валинаъмий тахт тепасида қарор топди. Ўратепанинг барча вилоятларини ўз тасарруфига киритиб, тўла эгалик билан ҳукмронлик ишларига киришди.

Дониёл *оталиқ* бир неча йил ҳукм юргизиб, ниҳоят, оғир бир касалликка йўлиқди ва шунинг орқасида ўткинчи оламини тарк этди. Умри муддати етмиш беш ёш ва ҳукумат даври ўн етти йил бўлди. Ундан беш фарзанд ёдгор қолди. Биринчиси Шохмуродбий, иккинчиси Султонмурод *қўшбеги*¹²⁶², учинчиси Тўхтамишбий, тўртинчиси Умар *қўшбеги*, бешинчиси Маҳмудбий. Булар орасида жаҳондорлик аломатлари фақат Шохмуродбий пешонасида ярқираб турар, аммо у ўша кезларда фақру фано тариқати йўлига кириб, Бухоро кўчаларида пири топшириғига кўра ҳаммоллик қилиб юрарди. Амирлар бир оғиздан маъқуллаб, 1198/1883-84 йили Шохмуродбийни ҳукумат тепасига кўтардилар. Шохмуродбий амирлик ишлари саройи асосини адолат курсиси устига ўрнатиб, адолатининг чамансаройи ситам шохини фано шамшири билан кесиб, сипоҳ ва раиятни ўз қаноти остига олди ва ўша кунисиёқ порахўрликда ном чиқарган Бухоро *қози калони*¹²⁶³ни сўроқ қилиб, гуноҳини бўйнига кўйгач, бошини кестирди. Ҳукумати давомида бирор соат давлат ишидан беҳабар бўлмади. Ўзбек хонлари ва амирлари орасида, балки, дунёнинг ҳеч ерида диндорлик ва инсофлиликда унга ўхшагани ҳеч бир замонда бўлмаган. Кўп вақтини шиа аҳлига қарши урушларда ўтказди. Бу йўлда отининг туёғи Машҳаддан ўтиб, то Қадамжо ноҳиясигача етган эди. Ўша пайтда Марви Шохжаҳон¹²⁶⁴да Эрон ҳокими Бобоҳон ахта¹²⁶⁵ томонидан ноибликка кўйилган Байрамалихон ҳокимлик қиларди. Шохмуродбий бу мамлакат устига бостириб боргач, бир ҳамла билан Марви Шохжаҳонни эгаллади. Жуда кўп шиаларни ўлдириб, Байрамалихоннинг ўғли ва келину набираларини асир қилиб Бухорога олиб келди. Байрамалихоннинг эса бошини кестирди. Фазилатлар эгаси Мирзо Содик Жондор¹²⁶⁶ бу воқеанинг таърихини яхши айтган ва **таърих** ушбудир:

«Сари ғулом буриду ба пойи дор андохт,
Писари ў Хожихонро ба Бухоро овард»¹²⁶⁷.

[Қулнинг бошини кесиб, дор остига ташлади,
Унинг ўғли Хожихонни Бухорога келтирди].

¹²⁶¹ Қуръони каримдаги “Гуноҳлар афв этилади” сўзларга ишора.

¹²⁶² Қўшбеги – қўш, ҳарбий лагернинг қўмондони.

¹²⁶³ Қози калон – шаҳар ва вилоят қозиси.

¹²⁶⁴ Марви Шохжаҳон – бугунги Туркманистондаги Мари шаҳри.

¹²⁶⁵ Эрон шоҳи Оғо Муҳаммадшоҳ қожор кўзда тутилмоқда. У тахтга чиқишдан олдин душманлари томонидан асир олинди, ахта қилинади. Номи бобосининг исми билан бир хил бўлгани учун уни “Бобоҳон” ҳам дейишган.

¹²⁶⁶ Мирзо Содик Жондор – Мирзо Муҳаммадсодиқ ибн Абдували Мунший Жондорий) (XVIII а. 50-й.лари, Жондор тумани – 1819, Қарши) — шоир. «Содиқ» тахаллуси билан ижод қилган. У сарой хизматига қақирлиб, Бухоро манғит ҳукмдорлари амир Дониёл, амир Шохмурод ва амир Ҳайдарлар даврида оддий мирзо (мунший)ликдан мирзобоши – бош муншийлик даражасига кўтарилди.

¹²⁶⁷ Таърих абжад ҳисобида 1200/1785 йилини беради (ғуломнинг боши – ғайн ҳарфи (1000), дорнинг оёғи – ро (200) ҳарфининг абжад ҳисобидаги ҳосилидан чиққан).

Аммо, Байрамалихоннинг ўғли Ҳожихон бир неча кундан сўнг тутқунликдан қочиб, Шаҳрисабздаги Ниёзали *девонбеги* олдига борди. *Девонбеги* уни иззат билан қаршилаб, бир йилга яқин ўша шаҳарда бўлди. Шоҳмуродбий валинаъмий Ҳожихонни топширишларини талаб қилди ва уни ушлашга жуда кўп ҳаракатлар кўргузди. Ҳатто, тутиб беришса, эвазига тўрт минг ашрафий тилло бераман, дея ваъда берди. Ниёзали *девонбеги* жавобида эса «агар Бухоронинг етти йиллик солиқдан тушган йиғим пулини беришса ҳам биз ҳеч қачон ўз меҳмонимизни ушлаб бермаймиз. Биз ўзбек халқимиз, кенагаснинг ялписини қириб, ҳатто биттаси тирик қолганда ҳам бу мақсадингизга етиша олмайсиз. Шунинг учун яхшиси бошингиздан бу хом хаёлни чиқариб ташланг», деди. Қандай ажойиб соҳиби давлатлар бўлган эканки, Ҳожихон шиа мазҳабида бўлишига қарамай, бунчалик иззат кўрсатишган. Бизнинг замонадаги эллик минг мусулмонни бир сариқ чақага сотадиганларга эса лаънатлар бўлсин. Алқисса, Ҳожихон Шаҳрисабздан Худоёрбий *девонбеги* ҳузурига кетди ва у ердан Ҳўқандга Норбўтабий валинаъмий ҳузурига етишди. Икки йил фақирнинг бобоси уйида бўлиб, шундан сўнг у ердан Кошғар ва Тибет йўли¹²⁶⁸ орқали ўз ватани сари юзланди. Анча йўлларни босиб ўтиб, Эронга етиб олди ва Бобошоҳ ахта ҳузурига борди. Шоҳ илтифоти билан ўз юртида вазирлик мансабида қарор топди. Айтишларича, ҳеч ким бу каби доно кишини кўрмаган ва эшитмаган экан. Ҳар илмда моҳир бўлиб, ҳеч бир илм соҳаси унинг билим чангалидан қочиб қутулган эмас экан.

Айтишларича, Бобошоҳ ахта замонида Гуржистондан минг бажоқий олтинга бир канизакни сотиб олишибди. Бу канизакнинг исми Саврисултон бўлиб, жаҳонни ёритувчи офтоб шунчалик оламни ёқувчи бўлишига қарамай, унинг ёлқинли юзига ниқоб воситасисиз ва ҳижоб ҳимоятсиз дош бериб қарай олмас, гул унинг жамоли шавқида ёқасини йиртган ва нарғис унинг ҳуснини томоша қилиш иштиёқида барча вужудини кўзга айлантирган экан. Ул раъно юзли жонон Бобошоҳни зулфи арқони билан овлаган экан. Қиз бу гўзаллиги устига ажойиб шеърлар ҳам битувчи шоира ҳам бўлиб, ушбу ғазал ул зебонинг латиф таъби маҳсулидир. **Назм:**

Шаҳсувори ман агар тарфи кулах бар шиканад,
 Жунбиши фарри кулоҳаш сари Қайсар шиканад.
 Офтобест агар барфиканад тарфи ниқоб,
 Оразаш равнақи бутхонаи Озар шиканад.
 Баски аз тири нигоҳаш ба дилам пайконҳост,
 Гар ба ханжар занадам сари ин ханжар шиканад.
 Тойири руҳи Сабури ба тавофи ҳарамаш,
 Чун ба парвоз дарояд зи шаъаф пар шиканад.
 [Шоҳсуворим бошига дубулғани эгри кўндирса,
 Унинг укпарни қимирлаб, Рум шоҳи бошин ёрар.
 Ниқоби четини очса бир офтобдир ҳусни жамоли,
 Юзин нури ила оташпарст Озар саждагоҳин ёқар.
 Нигоҳи ўқларидан юрагимда неча пайконлардир,
 Ханжар урса менга ул ханжар боши бешак синар.
 Сабурийнинг руҳ қушлари ҳарамни тавофи учун
 Этса парвоз, қувончдан қоқиб қанотидан айрилар].
 Бу **байт** ҳам уникадир:
 Боданўш риндам кард хуш хиром май нўше,
 Каъбаро зи ёдам бурд кофари сияҳпўше.
 [Бода ичувчи бир ринд май ич деб туриб олди,
 Каъбани унуттирди ул қора кийган кофир].

Шоҳмуродбий замонасида Темуршоҳ ибн Аҳмадшоҳ¹²⁶⁹ афғон Кобулдан Мовароуннаҳр қасдида бир неча масофаларни босиб ўтиб, Ақчага келиб тушди. Бу шоҳнинг келганидан Шоҳмуродбий валинаъми хабар топиб, Бухоро кўшини билан ул тарафга юрди ва Жайхун дарёсидан ҳеч нарсани ўйлаб-қўрқиб ўтирмасдан кечиб ўтганча шаҳарлар онаси (умм ал-билод) Балх яқинига бориб, кўш ташлади. Шоҳмуродбий валинаъмининг бу довьораклиги ва журъатидан Темуршоҳ хайратга тушди ва ярашиш сўзини ўртага солди. Орада элчи ва хат юборишлар амалга ошгач, сулҳ масаласи амалга ошиб, ҳар икки соҳиби давлат ўз давлати пойтахтига қараб кетдилар.

¹²⁶⁸ Кошғар ва Тибет йўли – бу йўл Кулжа орқали шарқий Туркистон ва у ердан Ҳиндистон ва Тибетга борган.

¹²⁶⁹ Темуршоҳ ибн Аҳмадшоҳ – Аҳмадшоҳ Дурроний (1721-1773)нинг ўғли. Дурронийлар давлатини отасидан кейин 1793 йилгача бошқарди.

Шаҳрисабз ҳокими Бекназарбий валинаъмининг вафоти ҳам ўша пайтга тўғри келади. Ундан уч ўғил қолди. Ниёзалибий ва Ҳакимбий ва Абдуллоҳ *додхоҳ*¹²⁷⁰. Шаҳрисабз амирлари бир ёқадан бош чиқариб, катта ўғли Ниёзалибий валинаъмин амирлик тахтига ўтқазилди. Ниёзалибий соҳибитадбир ва доно киши бўлиб, Кеш мулкининг барча вилоятларини қўлга киритди. Бирор соат давлат ишларидан беҳабар бўлмасди. Ҳаким *додхоҳ* эса айни ёшлик ва ҳукмронлик чоғи жазом касалига йўлиқди. Шеър машқиди яхши эди. Бу туркий мухаммас унинг таъби маҳсулидир. **Мухаммас:**

Менга ҳам бор эди ҳар кун сипоҳу жоҳ ила ҳашмат,
Эшигимдин насим ўтмас эди беизну берухсат.
Кўнгул масрур, кўз пурнуру тан ҳам бор эди сихҳат,
Фалакни жабридин етти бу янглиғ меҳнату лат.
Ситамгар, зулмпарвар, шўх маккоримдин айрилдим,
Парилар сарвари ёри вафодоримдин айрилдим.

Шижоату ҳиммат ва фазлу илм либоси Абдуллоҳ *додхоҳ* қоматини ҳам безаб турарди. У ҳам яхши шеърлар машқ қиларди. Настаълик хатини жуда яхши битарди. Бу икки қитъа ул амирлик паноҳи таъбининг маҳсулидир. **Қитъа:**

Баҳор рафту гулафшоне ба димоғ намонд,
Шароб дар қадаху нур дар чароғ намонд.
Муоширони хуш илҳон аз ин чаман рафтанд,
Ба ғайри оби равон ҳеч кас ба боғ намонд.
[Баҳор кетди-ю, гуллари иси димоғда қолмади,
Қадахда шароб қолмади, чироқда эса ҳеч нур.
Хушовоз суҳбатдошлар бу чаманни этишди тарк,
Оқар сувдан бошқа ҳеч ким қолмади боғда].

Яна уники:

Хусн мулкинда шоҳдур кокул,
Турфа рифъатпаноҳдур кокул.
То ҳаводин топиб паришонлик,
Мен каби *додхоҳ*дур кокул.

Шоҳмуродбий валинаъми қайта-қайта Шаҳрисабз устига бостириб бориб, улар орасида қаттиқ урушлар рўй берди. Лекин ҳеч бир йўл билан бу ўлкани фатҳ этишга муяссар бўлмади. Шаҳрисабз атрофида ўн саккизта қалъа бино қилинган эди. Ниҳоят, Шоҳмуродбий бу вилоятни олишдан қўл тортиб, юз давлати томон қайтди.

Шоҳмуродбий валинаъмининг Худоёрбий валинаъми билан Қароболиғ мавзеида урушгани зикри

Худоёрбий валинаъми бу хабарни эшитиб, Ўратепадан катта қўшин билан бирга Самарқанд сари юзланди. Шаҳрисабздан Абдуллоҳ *додхоҳ* ва Ёдгорбий Худоёрбий валинаъмига ёрдам бериш учун йўлга тушиб, унга қўшилдилар. Ҳар икки соҳибитадбир давлат бир неча масофаларни босиб ўтгач, Самарқандга тахминан тўрт фарсахлик ерда жойлашган Қароболиғ мавзесида иккита ғаним лашкарининг тўқнашуви рўй бериб, уруш олови чунонам аланга олдики, жон овловчи ўқ лочини ўз парини ўлим майдонида куйдирди, жавҳар шамшир юзидан тернинг қон томчиларини оқизиб, хунхор лашкарни унинг денгизига ғарқ қиларди. **Маснавий:**

Зи гарди сутурони хайли сипоҳ,
Бар рухсор зад парда хуршеду моҳ.
Рустаму сатурони сарсар шитоб,
Фитода ба нофи замин печу тоб.
Баромад чу аз кўси рўйин хурўш,
Ялон роздори устухони мағз жўш.
[Қўшин аҳлининг отлари чангидан,
Қуёш ила ой тортди юзига парда.
Рустаму елдек учар отлар ётишар,
Қулаб ер киндиги узра айқаш-уйқаш.
Қўрғошин ноқорадан чиққанда садо,

¹²⁷⁰ Додхоҳ – дод, адолат истовчи. Саройдаги амалдор. Барча ариза ва сўровларни хон (амир)га етказиб, жавобини олиб чиқадиган шахс. Маҳаллий ҳокимларга ҳам кўпинча шу унвон берилган.

Баҳодирлар бўлишди эзилган мияга сирдош].

Уч кун шу зайл уруш қилишди. Уруш кунининг ўша тўқнашув бошланган чоғиданоқ Абдуллоҳ *додхоҳ* ва Ёдгорбий мардлик намунасини кўрсатдилар. Ниҳоят ғалаба насими ҳеч бир томондан эсмади. Ноилож ўртага ярашув сўзини солиб, ҳар икки соҳиби давлат ўз вилоятига қайтиб кетдилар. Фақир Худоёрбий валинаъмининг синглисидан бўлган жияни жаноб қиблагоҳим саййидлик паноҳи, нажиблик дастгоҳи эшон Султонхон Хўжа Ахрорий ва Ёдгорбий оғзидан ҳам бир неча марта эшитган эдимки, улар айтишича, ўша улуғ урушда Худоёрбий валинаъми томонидан қайта-қайта довюраклик намуналарини кўришган эканлар. Шулардан биттаси жанг айна қизиб турган пайтда рўй берган бўлиб, урушавериб толиққан бий отдан тушиб, бошини тиззасига қўйибди ва қаттиқ чарчоқдан шу заҳотиёқ уни уйқу элтибди. Айтишларича, Туркистон амирлари орасида шижоат ва уддабуронликда Худоёрбий валинаъмига ўхшаш киши ўтмаган экан.

Бобо парвоначи¹²⁷¹ **воқеаси зикри.** Худоёрбийнинг ота бир, она бошқа иниси Бобо *парвоначи* бир неча вақтдан сўнг Ҳисор томонга йўналди. Бир неча масофани босиб ўтгач, манзилу мақсадга етишиб, ул мамлакатларни эгаллади. Бир неча кундан сўнг хоин фалак унга бир неча кунлик ҳукумати шарбатидан татишга йўл бермай, ўша пайтда Аллаберди Тоз хужум қилиб, Ҳисори боло ва унга қарашли музофотларни ўз қўли остига киритди. Бобо *парвоначини* ушлаб, қамаб қўйди. Бир йилдан сўнг бир кечаси Бобо *парвоначи* оёғидаги занжирни синдириб, ўзининг икки хизматкори билан бирга қочиб, шаҳардан ташқари чиққанлари паллада тонг ёришиб қолди ва ҳеч қаёққа бора олмай, ноилож, ўша ердаги қабристонга яширинишди. Қўриқчилар уйқудан уйғониб, кўзларини очиб қарашса, тўрдаги овлари тузоқдан қочиб кетибди. Қочоқлар изига тушиб, кўчама-кўча ўлжаларини ахтариб, изғий бошлашибди. Бу хабар бир зумда шаҳар бўйлаб ёйилибди. Аллаберди Тоз *жарчи*¹²⁷² чақиртириб, ким амирлик паноҳини ушлаб келтирса, уни дунё матоҳларидан бой қиламан, дебди. Одамлар ҳар томонга югуришиб, қочганларни излашга тушибдилар. Буни қарангки, ҳалиги гўристон умумий кўчага яқин бўлиб, бу ҳолни англаган Бобо *парвоначи* ва икки мулозим «лоҳавла» деганча дағ-дағ қалтираб ўтиришдан бошқа чора топишмабди. Шу маҳал мушукка ўхшаш бир чол худди кутилмаган ўлим каби булар устига келиб қолибди. Қараса, учта фалокат босган неча бир ғаму ҳасрат билан ўтиришибди. Чол дарҳол буларнинг ўша худодан сўраб, ўзи излаб юрган ов эканини билибди ва уларни ушламоқчи бўлибди. **Ҳамиятли ўспирин ва хайрли кечган тасодиф зикри.** Шу орада ўн икки яшар жуда бир чиройли ўспирин отаси бўлмиш ўша чол ва қочоқлар ёнига етиб келиб «ота, булар кимлар?» деб сўрабди. Ҳалиги девбашара чол «ўғлим, булар сен билан менинг бахту давлатимиз сабабчилари, тез бўл, буларни ҳоким ҳузурига олиб борсак, дунё бойликларини қўлга киритамиз ва буёғига фаровон турмуш кечирамиз», дебди. Бобо *парвоначи* чол билан ўспирин ўртасида бўлиб ўтаётган бу сўзларни эшитиб, ширин жонидан бутунлай умидини узибди. Ўспирин анча ўйлангач, отасига қараб «Эй отажон, нима бало, димоғингизга молихулиё¹²⁷³ касали тушиб, ақлдан оздингизми? Бу нима бўлмағур гапларни айтиб, алахсираяпсиз? Асрлар давомида фалак айланиб, бу каби ишларни улуғ кишилар бошига кўп солиб келган ва яна ўтказиб юборган. Яшасин бундай номардлик – ахир уйимиз остонасига бу каби улуғ зотлар бошига иш тушиб, паноҳ истаб келишса-ю, биз эса уч кунлик ўткинчи дунё манфаатлари учун уларни ушлаб, қотили қўлига топширсак! Бундай хом хаёлнинг баҳридан кечинг ва бўлмағур гапларни қўйинг», дебди. Чол боланинг гапига кулоқ осмабди ва тилини ёмон сўзларга чоғлаб, ўғлига қўпол гаплар айтибди. **Мисраъ:** Падар ки бадғуҳар аст, писар чи кунад (Ота ёмон зотли бўлса, ўғил нима қилсин); Аммо, бола ўз сўзидан қайтмабди. Ниҳоят, ота қараса, гаплари қовушмайди ва ўғил ота гапига кирадиган эмас. Ночор, ўғли юзидан ўта олмай ва унинг раъйига ҳам қараб, уйи томон кетибди. Фарзанд эса иккита адаб тиззаси билан Бобо *парвоначи* олдига чўккалабди ва дебди: «Мен Сиз жанобнинг амирлик ва давлат паноҳи *парвоначи* эканингизни билдим. Сиз учун бир эмас, юз бошим бўлса ҳам кечаман. Не хизмат бўлса, буюринг». **Мисраъ:** Неки бикун кун ки ба кори ту наояд (Яхшилик қилмоқчи бўлсанг қилавер, ишимга яраши шарт деб ўтирма); Бобо *парвоначи* ўспириндан бў гапларни эшитгач, боланинг елкасидан кучди ва боши-юзидан ўпганча пиқиллаб йиғлашга тушди. Сўнг: «Менинг манови муҳримни олиб, карвонсаройга бор. Фалон хужрада соқоллари оқарган бир бемор ётибди. Муҳрни унга кўрсат» деб, ўша кишидан яна кийим-кечак каби зарур нарсаларни олиб келишини ҳам тайинлади. Бола қабул бармоғини кўзига қўйиб, карвонсаройга қараб йўл олди. У ерга етгач эса истаган кишисини топди ва муҳрни кўрсатди. Савдогарнинг кўзи муҳрга тушгач, боланинг

¹²⁷¹ Парвоначи – парвона, яъни капалакдек хон (амир) ҳузурига кириб, ариза ва сўровларни олиб кириб, жавобини олиб чиқадиган амалдор.

¹²⁷² Жарчи – жар солиб хон (амир) фармонлари ва амрларини халққа баланд овоз билан эълон қиладиган шахс.

¹²⁷³ Молихулиё – меланхолия.

юзу кўзи ва пешонасидан ўпди. Тайинлаган нарсаларининг барчасини муҳайё қилди ва бола билан хайрлашаркан «эй фарзанд, бир йилдан бери фақат шу иш учунгина ушбу масканда яшаб тургандим», деди. Бола *парвоначи* олдига етишгач, хуфтондан сўнг йўлга тушишди ва тилларидан «овора-ю, дарбадар бўлиш қандай яхши, агар сен каби яхши ҳамроҳ бўлса» қабилдаги сўзлар жорий бўлди. Аммо, йўлда боланинг оёқлари қавариб, пиёда юришга мажол етмай қолди. Ҳар учаласи навбатма-навбат болани елкаларида кўтариб кетишди. Ўша кечаси тонг отгунча неча бир қийинчилик ва машаққат билан бир кўл қирғоғига етдилар. Кўл камишларининг боши фалакка етса-да, бироқ яширинадиган қулай жойи йўқ эди. Ноилож, нарсаларини бир жойга кўмиб, ҳар тўртовлон қип-яланғоч ҳолда кўл ичига тушдилар. Кетларидан таъқиб қилаётган аскарлар анчадан сўнг шу ерга етиб келишди ва ҳаммаёкни излаб, қочоқлардан бирор из ва аломат топишмади. Тўртовлон эса сув ўртасида худди ўрдаклардек чўмганча ўша кун ва тунни шу кўрқинчли жойда неча бир азобу укубатда ўтказдилар. Эртаси оқшом йўлга тушиб, тонг отгунга қадар чўлдан юришди. Анча йўл юргач, Сурхон дарёси¹²⁷⁴ қирғоғига етдилар. Бирор соат йўл чарчоқларини ёзиб, дам олгач, ўзлари учун камишдан сол ясаши ва дарё томон юзланишди. Вафодор бола эса хайрлашиб, неча бир хасрату ғамда ўз уйи томон қайтиб кетди. **Байт:**

Вақти видои дўст, ба ҳангоми бозгашт,
Эй дида кош аз паси сар мешуди моро.
[Дўст билан хайрлашиб, қайтиш маҳали,
Эй кўз, қанийди бошим орқасида бўлсанг].

Бобо *парвоначи* икки йўлдоши билан солга ўтириб, дарёда сузиб кета бошлашди. Бу дарёда «Ҳожи гирдоб» деб аталувчи бир гирдоб бўлиб, Мовароуннаҳрда бу гирдоб доврўғи кенг ёйилган. Чунки, бирон кема ёки сол у ерга етгудай бўлса, осонликча қутулиб ўтиши даргумон. Буни қарангки, *парвоначининг* камиш қайиғи ҳам ана шу гирдобга тушиб қолиб, қанча уринишмасин, солни соҳилга олиб чиқиша олишмабди. Уч кеча-кундуз шу гирдобда сув оқизган томонга кетаверишибди. Ниҳоят, ҳазрат Илоҳ лутфидан қаттиқ шамол туриб, солни дарё қирғоғи томон суриб, гирдоб кўйнидан чиқарибди. *Парвоначи* бу бахту давлат шукронасини адо этиб, дарёнинг бошқа жойидан яна қайтиб сувга тушишибди. Шу зайл уч кун ўтгач, иттифоқан, Шеробод¹²⁷⁵нинг Худоёр Гаранг исмли мири дарё бўйида шикор қилиб юрган бўлиб, қараса, дарё ўртасида бир сол уч нафар киши билан оқиб келмоқда. Мирнинг кўнглидан буларни хоҳнахой дарё оқизган бўлса керак, шу сабабли ихтиёрсиз ўтирган кўйи келишмоқда, деган ўй ўтиб, шу фикр орқасида бир нечта кишисига камиш қайиқни дарё қирғоғига судраб чиқишни буюрибди. Нотаниш кишилар дарё четига келгач, Шеробод мири *парвоначини* ўз олдига чорлабди ва ҳол-аҳвол сўрабди. *Парвоначи* «**мисраъ:** Чи пурси мани бахт баргаштаро (Мен бахти қайтгандан нени сўрайсан); Биз учала мулло Кўлобдан келяпмиз. Илм олиш мақсадида Бухоро сари йўлга чиққанмиз», дебди. Мирнинг бу «толиби илм»ларга раҳми келиб, худо йўлига бир неча танга бахшида қилиб, кетишлари учун руҳсат берибди. **Бобо парвоначининг Бухоро амири қўлига тушгани.** Буни қарангки, мазкур воқеалар рўй бермасдан бурун Худоёрбий валинаъми ва Бобо *парвоначи* олдига [Шоҳмуродбий номидан] элчилик расми билан борган бир киши ҳам шу мир ёнида бўлиб, сал нарироқда турган экан. Кўзи мир олдидан узоқлашаётган *парвоначига* тушиб, уни таниб қолибди ва фалакнинг бу ишидан хайратга тушиб, йиғлай бошлабди ва ўз мирига бу ҳақда гапириб берибди. Мир бу гапни эшитган захоти *парвоначини* бағрига босиб, узр сўрабди. Шу ондаёқ унга қимматбаҳо либослар кийгизиб, учқур отларга миндирганча ўзи билан бирга Шерободга олиб кетибди. *Парвоначи* у ғанимидан бу душмани кўлига тушганини англаб, бўйнини эгиб ва бошини қуйи солганча чор-ночор кетаверибди. Манови байт эса кўнглидан ўтибди, **фард байт:**

Ту коре кун ки бар домаш наафти,
Гар афтоди тапидан маслаҳат нест.
[Бир илож қилгину тузоғига тушма,
Агар тушсанг, типирчилаш бефойда].

Бу хабар Шоҳмуродбий қулоғига етибди ва *парвоначини* ҳузурига юборишларини буюрибди. *Парвоначи* шу зайл Бухоро тутқунлигида бир йил қолиб кетди. Худоёрбий валинаъми анчагина элчилар юбориб, икки орада хатлар алмашгач, неча бир ҳийла ва тадбир воситасида укасини

¹²⁷⁴ Сурхон дарёси – Тўпалангдарё ва Қаротоғ дарёларининг бирлашган жойидан бошланиб, Амударёнинг ўнг тарафига қуйиладиган дарё. Узунлиги 175 км.

¹²⁷⁵ Шеробод – Шерободдарёнинг ўнг соҳили (Сурхон воҳаси)да жойлашган шаҳар. Муаллиф даврида беклик маркази.

Шоҳмуродбий кўлидан кутқариб олди. *Парвоначи* акаси хузурига етишгач, валинаъми унга Жиззах¹²⁷⁶ ҳокимлигини берди. Айтмишлар, **байт**:

Алминнатиллоҳ ки ранж кашидем,
Дидем турову зи ту ба мақсуд расидем.
[Худога шукр, ранжлар тортдик, аммо,
Сени кўрдигу сен сабаб мақсадга етдик].

Худоёрбий ул халоскор мард ўғлоннинг мақтовли васфини укаси тилидан эшитиб, ғойибона равишда унинг ишқи ўқи амирлик паноҳининг дилидан жой олибди. Болага совға-салом тариқасида жуда кўп тухфа ва ҳадялар юборибди. Қанийди, тириклик чоғимда шу ҳиммати юксак ўспиринни бир бора кўрсам, бошқа орзу-армоним қолмас эди, деб афсус ва надоматлар чекибди. Амир шу армон билан дунёдан ўтди. У вафот этгач, Бобо *парвоначининг* ҳукмронлиги даврида ул вафодор йигит ўзи кутқарган янги мир хузурига келди ҳам. Мир боланинг кўлига икки юз тилло инъом пули тутқазиб, кетишига рухсат берди. Аммо, мирнинг шунча давлати ва боланинг эса олийҳимматлилик билан қилган бу қадар беқиёс яхшилиги билан таққослаб, холис баҳо берганда, *парвоначи* ул олий ҳиммат болага ҳеч нарса бермади ҳисоб бўлган. **Бобо парвоначининг бўлмағур қилиқлари зикри.** Бобо *парвоначи* ўта гўл ва лофчи бир мир сифатида ҳам ном қозониб ўтди. Унинг лофчилик ва сафсатагўйлик хислати бутун Мовароуннаҳр бўйлаб овоза бўлган эди. Бинобарин, ушбу саҳифада шундан бир нечтасини битта сабаб билан ёздим. (Сабабини эса қуйироқда айтаман]. Бир куни у қатнашаётган ўтиришда сўз мавзуси қиш совуғи ва қору ёмғирлар ҳақида бўлиб, *парвоначи* ҳам дебди: – Фалон йилиси шундай кўп қор ёғдики, ерга ёққан қор қалинлиги чиндан ҳам осмонга етди. Қушлар қор уюмлари устига чиқиб олиб, тумшуклари билан юлдузларни чўкалаб ейишди. Келгуси йили эса Хўжандда пайтим худда ўшандай совуқ бўлиб, ҳаммаёқ муз билан қопланди. Бир маҳал кўзим бир итнинг иккита том оралиғида муаллақ турганига тушди. Кейин яхшилаб диққат қилсам, ит бечора томдан томга сакраётган пайти музлаб, олд оёқлари бир томда, орқа оёқлари иккинчи томда қотиб қолган экан.

Бир куни ўтиришда сўз ов ҳақида борибди. Шунда мир қуйидагича ҳикоя қилишга тушибди: – Бир куни Хўжандда ов қилиб юргандим. Шикордан сўнг бир жойга тушдик. Қарасак, ерга жуда кўп қозиклар қоқилган экан. *Маҳрам*¹²⁷⁷ларнинг бариси отларини шу қозикларга боғлашди. Эрталаб уйғониб қарасак, шунча отдан битта от ҳам йўқ. Бироздан сўнг одамларим отларни ҳар ер, ҳар ердан топиб келишди. Аммо, уларнинг ҳар бири ёнида биттадан турна қушлари ҳам бор ва қарасам, отларнинг арқонлари ўша турналарнинг бўйинларига боғланган. Кейин билишимизча, кечаси тунда қозик гумон қилиб, отларни турналарнинг бўйнига боғлаган эканмиз. Турналар эса отларимизни шу зайл ҳар тарафга етаклаб кетишибди. Эртаси куни бедана овладик. Битта ҳеч тенги ва ўхшаши йўқ овчи лочинимиз бор эди. Бедана ҳаддан зиёд кўп бўлиб, лочинни битта бедана томон қўйиб юбордим, таппа босди. Аммо, шу ернинг ўзида яна бир бедана бор экан, учмоқчи бўлганида ҳалиги лочиним унга ҳам ташланиб, яна бир чангали билан унисини ҳам ушлади. Тағин битта бедана ҳавога кўтарилмоқчи бўлди, уни эса тумшуғи билан ушлади. Буни қаранг, шу пайт яна бир бедана учмоқчи бўлганди, ушлаш учун ҳеч ери қолмаган лочин, «сени ҳам барибир ушлайман», деб юборса бўладими. Овдан сўнг бир ҳовлига қўш ташладик. Уй эгаси дарвозаси оғзига қопағон бир ит боғлаб қўйган экан. Мени тишламоқчи бўлиб, мен томон тўпилиб келди. Оғзига қараб шундай мушт солдимки, кўлим кетидан чиқди. Яна бир кўлим билан эса итни ётқизиб, оғзини бор кучим билан айириб, иккинчи кўлимни ичидан тортиб олдим. Кўлимга илиниб ичак-човоқлари ҳам чиққан экан, шуларни осилтирганча ит ўрнидан туриб қочиб қолди.

Парвоначининг яна бир ҳикояси: – Бир хароб аҳволга тушиб, яғири чиққан отим бор эди. Мулозимларимга унинг яғири чиққан сағрисига лой суркаб, пода орасига қўйиб юборишларини буюрдим. Шундай қилишди. Уч ойдан сўнг сурувдаги отларни битта қолдирмай олиб келишди. Улар ичида ҳалиги отим ҳам бўлиб, қарасам, сағрисида катта-катта тарвузлар осилиб турибди. Бундай ўйлаб кўрсам, ўша яғир жойига лой суркаганларида тупроқда ётган тарвуз тухумлари ҳам қорилган лой билан отнинг сағрисидан жой олган экан ва мана энди палак отиб, шунча катта тарвуз солибди. Бунақа рангли ва ширали тарвузни умрим бино бўлиб сира ҳам еб кўрмаган эдим.

Хуллас, юқоридаги каби савдойи ва бир қайнови гапларни *парвоначи* оғзидан кўп эшитишган. Ҳаммасини ҳам ёзиб тугатиш қийин. Бу келтирганларим бекорчи ҳикояларни ҳам кўлингиздаги китобда ёзаман деган фикр кўнглимда йўқ эди. Ҳали айтганимдай сабаби эса шунда бўлдики,

¹²⁷⁶ Жиззах – Жиззах/Дизак (кичик қалъа дегани) – қадимий Истаравшанга тегишли истехком, қалъа. Самарқанд-Хўжанд йўлидаги муҳим ҳарбий стратегик жой бўлган. Ҳозир вилоят маркази.

¹²⁷⁷ Маҳрам – хос соқчи, ходим ва хизматкор.

каминанинг хусни нури қуёшни ҳам кўримсиз ҳолга туширувчи гўзал бир суюқлигим бор эди. Тасодифдан бир кечаси ўтиришда ушбу воқеалар ҳам тилга олинди ва ул пари чехра бу ҳикояларни ҳам китобингизда ёритинг, деб буюрди. Ноилож, сўзи ерда қолмасин деб ушбу битикда қайд этдим. Шунинг учун яна таъкидлашим лозимки, буларни келтириш орқали Бобо *парвоначининг* бундай бўлмағур гапларни айтишдан мақсади одамларни қулдириш бўлган, демоқчи эмасмиз. Мутлақо. Булар *парвоначининг* савдойи мижоз бўлиб қолгани сабабли айтиб юрган ҳикоялари бўлиб, унинг ўзи ҳам бу айтганларини айна ҳақиқат деб тушунган ва ишонч билан айтган. Тиббиёт китобларида ўқиганим бор: бу ҳам савдойилик касалининг бир хил кўриниши бўлиб, ақлга путур етгани ва мия қуввати заифлашганидан юзага келиб, кишининг хаёл кучи ҳар хил бўлмағур нарсаларни ҳам ростдек қабул қилаверади, бу касалга чалинган киши шунинг орқасида юқоридаги сингари бўлмағур хаёлий сўзларни айтишга мажбур бўлади. Айтишларича, Бобо *парвоначи* илгари бундай одам эмас экан, бу касалга икки марта қамоққа тушгандан сўнг йўлиққан.

Алқисса, Шоҳмуродбий валинаъми Бухорога етгач, бир неча кун йўл ҳордиғини ёзиб дам олиб, давлат юмушлари ва халқнинг арзу додини сўраш ишлари билан машғул бўлди. Айтишларича, байт-ул-мол, яъни давлат хазинасидан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун бир фулус ҳам харж қилмас экан. Кийим-кечак, еб-ичиш бўйича қандай чиқими бўлса, барчаси мамлакатдаги ғайридин аҳолидан ундириладиган жизя солиғи¹²⁷⁸ ҳисобидан амалга ошаркан. Айтадиларки, бир гал Самарқандга келганида бир неча кун ўша вилоятда қолиб кетиб, сарфлайдиган харажат пули тугабди ва бисотида битта эски пўстиндан бўлак бирон нарсаси қолмабди. Ноилож, ўша пўстинини сотиш учун бозорга бердириб юборибди. Пўстиннинг харидори топилмабди. Ниҳоят, деярли текин баҳода, аниқроғи, ярим дирҳамга сотиб қайтишга мажбур бўлишибди. Сотиб олган харидор камбағал бир мулло киши бўлиб, эртаси куни пўстинни қайтариб олиб келиб, «пўстиннинг айби бор экан, савдони бекор қиламан, олмайман», дебди. Шоҳмуродбий валинаъми «нима айби бор экан?» деб сўрабди. Ҳалиги одам «бутун дунёнинг бити шу пўстиннинг ичига йиғилган экан. Кечаси танимда бир мисқол ҳам эт қолмаслигига сал қолди», дебди. Мулло бу пўстиннинг Шоҳмуродбийга тегишли эканидан хабари йўқ экан. Валинаъми роса қотиб қулибди ва ниҳоят иккаласи ҳам қози ҳузурида чўкка ўтириб, қози ҳукмини сўрашибди. Қози ярим танга арзон тушириб, пўстинни муллога сотиш бўйича қарор чиқармоқчи бўлибди. Аммо, мулло бунга кўнмабди ва «бу пўстиндан безор бўлганман, бир фулусга ҳам олмайман, пулимни қайтаринг», дея оёқ тираб олибди. Валинаъми эса олишини сўрайверибди. Чунки пўстиндан қўлга киритган кечаги икки тангани ишлатиб бўлган, ёнида муллога қайтариб бериш учун бошқа пули йўқ экан. Хуллас, анча тортишувлардан сўнг мулло рози бўлибди ва валинаъми можародан қутулибди. Айтишларича, Эрон юришидан қайтаётган маҳал бисотида бирон танга пул қолмаган бўлиб, Бухорога яқин ерда қорни очиқибди ва доимгидек, сўфийлар равиши бўйича, ҳалолдан лукма ейишга одатланган валинаъми оёғидаги бир жуфт ковушини ечиб, баққолга берибди ва эвазига бирор егулик олиб, тановул қилибди. Бухорога эса оёғида ковушсиз кириб борибди. Шоҳмуродбийнинг ейдиган таомлари ҳам киши ейдиган даражада бўлмай, ўт-ўлан ва сут-қатик, сузма ва дуккаклиларнинг ҳаммасини бирга аралаштириб, аталага ўхшаш бир нима пиширтириб ер экан. Бошқа овқатларга қиё ҳам боқмас экан. Айтишларича, инилари унга нисбатан хоинлик йўлини тутибдилар ва акасини ўлдириш мақсадида икки нафар баттол номусулмонга кўп нарсалар ваъда қилиб, уларни аёллар қиёфасида Аркка юборибдилар. Ул таррор¹²⁷⁹ ҳаромилар бир йўл билан ҳарам ичкарасига кириб олишибди ва сарой аҳли юриш-туришдан тинчигач, ул икки ит сийрат Шоҳмурод валинаъми ухлаб ётган жойга келиб, дуч келган ерига пичоқ ура бошлашибди ва шу зайл тани-баданини илма-тешиқ қилиб, яралашибди. Аммо, ҳазрати вожиби таолонинг ўзи қаровчи-ю, сақловчи бўлса ва қазо етмаган эса қилич ҳам иш бермайди, деганларидек, валинаъми тирик қолибди. Ахир айтмишлар, **байт:**

Агар теғи олам бижунбад зи жой,

Набурад раге то нахоҳад Худой.

[Агар бутун оламнинг қиличи чикса қинидан,

Худо хоҳламаса битта томирни ҳам кеса олмас].

Қонхўрлар ишни битказган ҳисоблаб, топшириқ берган мирлар ёнига қайтиб келишибди ва Бухоро салтанати қўлга киргани билан табриклашибди. Мирлар эса «валинаъмининг боши қани?» дея сўрашибди. Жаллодлар «минг жонидан биттаси ҳам қутулмади, бошини сўраб нима қиласиз», дейишибди. Мирлар орасидан Султонмурод *қўшбеги* эса «буларнинг иши хом бўлиб чиқмаса гўрга эди» дея ташвиш билдирибди.

¹²⁷⁸ Жизя солиғи – мусулмон бўлмаган, бироқ мусулмонлар тахти ҳимоясида бўлган аҳолидан олинадиган жон солиғи.

¹²⁷⁹ Таррор – фирибгар, каззоб, алдоқчи.

Эндиги гапни саройдаги воқеалардан эшитинг. Ҳалиги қонхўрлар валинаъми ишини бир ёқлик қилгач, мирлар олдига йўл олишибди. Кутилмаган бу ишдан сал ўтиб, ҳарам канизаклари валинаъми ётган ўриндикқа келиб, уни бир дарё қонга беланиб ётган ҳолда кўришибди ва барчаси хайратдан донг қотганча, сочларини юлиб, юзларини тирнаб, ёқаларини йиртишга тушибдилар. Бироздан сўнг яхшилаб текшириб кўришса, валинаъмининг жони борга ўхшабди ва йиғи-сиғини йиғиштириб, ғамлар шодликка айланибди. Бу туркий **мисраъ** шу ҳолга мос келади: Чикмаган жондин умид – ушбу масалдур машхур...; Бирор фурсатдан сўнг валинаъми кўзини очибди ва «душманлар менинг ишимни бир ёқлик қилишди, сизлар эса бир бало қилиб, мени пахтага ўранг ва ташқарига олиб чиқинг, одамлар менинг тириклигимни кўришсин, бўлмаса иш қўлдан чиқади», дебди. Канизлар буйруқни у айтгандай қилиб бажаришди ва тонг отгач, бу хабар бутун шаҳар бўйлаб ёйилди. Бу қабих ишни қилган инилар эса валинаъмининг соғ-омонлигини билиб, чуқур ўй гирдобига ботишди. Шоҳмуродбий укалари олдига одам юбориб, шундай деб айттирди: «Сизлар пасткаш бир дунё учун ундан ҳам пасткашроқ ишга қўл урдингиз. Аммо, биз бундай разилликни қилмаймиз, балки шафқат ва марҳаматни афзал биламиз. Кўнглингизга бирон ёмон фикр ва гумон келиб ўтирмасин». Укалари валинаъмининг бу сўзларини эшитгач, ўзларининг Бухорода қолишини ор-номус юзасидан эп кўрмай, ҳар бири бир тарафга бош олиб кетишди. Чунончи, Султонмурод *қўшбеги* ҳаж иродасини қилиб, йўлда оламдан ўтди. Маҳмудбий Хўқанд сари йўл олди.

Шундан сўнг Афлотун таъбли ҳақимлар валинаъмининг яраларини даволашга киришдилар. Оз кун ичида муолажа ишлари мувофиқ тушиб, Аллоҳ иродаси билан амир бутунлай шифо топди.

Ўша пайтлари Худоёрбий валинаъми бу борлиқ тупроқхонасидан этак йиғиштириб, охираат йўли томон юзланди. Умри муддати эллик олти йил бўлди.

Бобо парвоначининг акаси Худоёрбий валинаъмининг амирлик ўрнига ўтириши

Худоёрбий валинаъмининг вафоти хабари Бухорода Шоҳмуродбий валинаъми қулоғига етишгач, тўхтовсиз равишда Ўратепа томон йўлга тушди. Неча масофаларни босиб ўтиб, Зомин мавзесига етишди. Бу ернинг ҳокими саййидлик паноҳи азиз акам Маҳмудхон эди. Шоҳмуродбий валинаъми Зомин қалъасини паргор чизиғи каби айлана қилиб, ўртага олган кўйи камал ва уруш ишларига киришди. Саййидлик паноҳи ҳам ўқу тўфанг отиб, қалъа мудофаасини тўла-тўқис амалга ошириб турди. Аммо, уч кундан сўнг ўртага сулҳ сўзи солина бошлади. Ниҳоят саййидлик паноҳи шартга кўра қалъани бўшатиб, Ўратепа томонга кетди. Шоҳмурод валинаъми қалъани қўлга киритгач, у ердан қўзғалиб, Ўратепа яқинига бориб қўш ташлади. Шоҳмуродбий валинаъмининг келганидан хабар топган Бобо *девонбеги* дарҳол ўз номусини улоқтириб, Хўқандга Норбўтабий валинаъми ҳузурига доно чопарлар жўнатиб, ўз ниятини билдирди. Норбўтабий валинаъми унинг сўзини қабул қулоғи билан тинглаб, Фарғона лашкари билан Ўратепа томон йўналди. Анча йўлларни босиб ўтгач, Хўжандга келиб тушди. Ҳар учала соҳиби давлат ўртасида саййидлар ва уламову умаро ва талай катта кишилар анча борди-келди қилишди. Аммо, буларнинг ҳеч бири тугунни еча олмадилар. Ниҳоят фақирнинг бобоси жаноб саййидлик ва нажиблик паноҳи эшон Ҳақим тўра¹²⁸⁰ Шоҳмуродбий валинаъми ўрдусига ташриф буюрди ва оталарча насиҳат қилди. Ул қадрни англовчи мир жаноб эшоннинг сўзларини жону дили билан қабул қилди. Шу тариқа бобом ҳазратлари ҳар учала амирлик паноҳларини яраштирди ва уларнинг ҳар бири ўз қароргоҳига қайтиб кетдилар. Шоҳмуродбий валинаъми Бухорога етгач, бир неча кун хотиржамик билан дам олиб, ҳордиқ чиқарди.

Шоҳмуродбий валинаъмининг Хўжанд вилояти томон йўналгани зикри

Шоҳмуродбий бошига яна Хўжандни босиб олиш ҳою-ҳаваси тушиб, катта қўшин билан вилоят келинчаги томон йўналди. Чунончи айтмишлар, **Назм:**

Ҳофиз ту тарки суҳбати хубон намекуни,
Дони кужост жойи ту – Хоразм ё Хўжанд.
[Ҳофиз, гўзаллар суҳбатин этмасанг тарк агар,
Биласанми, жойинг қаер – Хоразм ё Хўжанд].

Бир неча масофани босиб ўтгач, ул шаҳарни узукнинг қошидек ўртага олди. Худоёрбийнинг тўнғич ўғли Бекмуродбий ўқу тўфанг отишга машғул бўлди. Уч кундан сўнг Шоҳмуродбий Хўқанд

¹²⁸⁰ Тўра – хонзодаларга бериладиган унвон. Муғуллар давридан мавжуд.

томондан ваҳимага тушиб, қайтиб кетди. Аммо, Хўжанднинг хосу оми ва қишлоқларини талон-торож қилиб, аҳолисини Самарқандга кўчириб кетди. Тун ярмидан оққанда эса Шохмуродбий у ердан ҳам кўчиб, Жиззахга келди. Унинг олдида машъаллар ёқиб боришарди. Иттифоқо, таланиб ва асир олиниб кетилаётган кишилардан биттаси ушбу байтни баланд товуш билан ўқиди, **байт:**

Дуди машъал пеш-пеш, оҳи мазлумон зи пас,
Гар ба ин наҳж аст мулкдориҳо ҳавас.
[Машъал дуди олдинда, кетидан мазлумлар оҳи,
Шу йўл билан экан-да, юрт олмоқ ҳою ҳаваси].

Шохмурод бий буни эшитгач «ҳа, тўғри айтибди», деди ва ушбу мисрани ўқиди. **Мисраъ:** Сўфи шудани ўзбек ишкамаи роҳ мемонад (Ўзбекнинг сўфи бўлгани йўлнинг қавариғига ўхшайди);

Шохмуродбий Хўжанддан кўчириб келтирган одамларини Самарқандда жойлаштирди ва уларни Самарқандни обод қилиш ишларига буюрди. Ўзи эса Бухоро томонга қайтди. Бу сўфи сифат амирнинг кароматли ва одатдан ташқари ишларидан бири шу бўлдики, ўша Хўжанд сафаридан қайтишда касалга чалингач, кўрган одамига қараб «бизнинг ишимизни валийлар султони Муслиҳиддин Хўжандий¹²⁸¹ бир ёқлик қилди. Тағин худо билади-ю, бу касалдан тузалмасам керак», деган экан. Иттифоқан, бир неча кундан сўнг борлиқ этагини бу нопойдор хокдондан йиғиштириб, юзини охират томон қаратди ва ўша бир минг икки юз ўн иккинчи йили ҳақнинг чақирув хитобига «лаббайка» дея жавоб берди. **Байт:**

Дунё ки дар ў бўйи вафо нест паид,
Бояд к-зи ҳар чи ҳаст пайванд бурид.
Ин сурати маргро дар ойинаи ақл,
Аз руйи хирад ҳамеша мебояд дид.
[Вафо деган нарсанинг ўзи йўқ бу дунёда,
Қандай боғланган бўлсанг ҳам уни узмоқ керак.
Ўлимнинг бу юзин ақл ойнасида,
Хирад юзидан ҳамиша кўрса бўлади].

Шохмурод бийнинг уч нафар баркамол ўғли бор эди: Амир Ҳайдар подшоҳ, Дин Носирхон ва Муҳаммад Ҳусайинхон. Амир Ҳайдар подшоҳнинг онаси Абулфайзхон аштархонийнинг қизи эди. Қарши¹²⁸² ҳукумати шу амирга қарашли эди. Дин Носирхон Марви Шохжаҳонда ҳукмронлик қиларди. Муҳаммад Ҳусайинбек Самарқандда амирлик мансабида ўтирганди. Шохмуродбийнинг умри муддати олтмиш беш ёш бўлди. Амирлиги ўн етти йил давом этди. Ўрнига амир Ҳайдар подшоҳ салтанат тахтига ўтирди ва тахт поясини осмон томи устига қўйди. Давлат тожини то Сурайё юлдузига¹²⁸³ теккудек қилиб бошига кўндирди. Ва Бухоро мамлакатини адолат зевари билан беади. Ва укаси Дин Носирхон акасидан ҳадиксираб, Марвни бўшатганча, Эронга қочиб кетди. Фатҳалишоҳ қожор¹²⁸⁴ унинг қадамини муборак санаб, иззат-икром кўрсатди. Муқаддас Машҳад¹²⁸⁵ шаҳрида муносиб жой тайёрлаб, шунга туширди ва Дин Носирхон ўша ерда фароғат топди. Муҳаммад Ҳусайинхон ҳам Самарқандда ўтирганча иши юришмаслигини сизди ва ноилож йўналиш жиловини Шаҳрисабз томон бурди. Ниёзали валинаъми бу хабарни эшитиб, муносиб равишда кутиб олди ва яхши бир уйга тушириб, кўп иззат-икром кўрсатди. Бир неча вақтдан сўнг ўзининг ожизасини унинг никоҳи қайдига киритди. Муҳаммад Ҳусайинхон ул вилоятда турғун бўлиб қолди.

Амир Ҳайдар подшоҳнинг Ҳисор вилоятига йўналгани зикри

¹²⁸¹ Муслиҳиддин Хўжандий – XIII асрда яшаган шайх ва олим. Мақбараси Хўжанд шаҳрида жойлашган. Унинг қабри халқ ва ҳукмдорлар томонидан жуда қадрланган. Амир Темур 1390-91 Тўхтамишга қарши кўшин тортганда, қиш фаслида Хўжандга бориб, шайх мақбарасини зиёрат қилган ва 10 минг динор назру ниёз берган.

¹²⁸² Қарши – муғулча “Қарши” сарой дегани. Муғул ҳукмдори Кепек қадимги Нахшаб/Насаф яқинида барпо қилган шаҳар. Ҳозир Қашқадарё вилоятининг маркази.

¹²⁸³ Сурайё тизмаси бир-бирига яқин жойлашган олти юлдузлар туркуми (ўзбек тилида Хулкар), форслар уни Парвин деб аташади.

¹²⁸⁴ Фатҳалишоҳ қожор – Асли Туркистон шаҳридан кетиб, аввал Марвда ҳокимлик қилган, Нодиршоҳ вафотидан сўнг (1747) Эронда шохлик тахтини эгаллаган туркий қожор уруғи сулоласининг вакили Фатҳалишоҳ (ҳақиқий исми – Бобоҳон) (1766/71 - 1834.24.10, Қум шаҳрида дафн этилган) – қожарлар сулоласидан бўлган Эрон шоҳи (1797 й.дан). Унинг ҳукмронлиги даврида Эрон ички низолар туфайли заифлашиб, Европа давлатлари ва подшо Россиясининг мустамлакачилик юришлари нишонига айланган. Фатҳалишоҳ Франция (1807), Буюк Британия (1801, 1809, 1814), Россия (1813, 1828) билан тенгсиз битимлар имзолаган.

¹²⁸⁵ Машҳад – Ҳазрат Алининг VIII асрда яшаган авлодларидан Али бин Мусо ар-Ризо кўмилган жой кўзда тутилмоқда. Машҳад шаҳри номи шу улуғ имом “машҳад”и, яъни қабри жойлашганидан келиб чиқиб айтилади.

Мир Ҳайдар подшоҳ кўнглини укалари ҳадики ва қўрқинчи ташвишидан тинчитгач, Ҳисори Шодмон томонга йўналди. Йўлларни босиб ўтиб, манзилга етиб, ул вилоятни бутунича эгаллади. Бу ернинг ҳеч бир соҳиби давлатга бўйин эгмайдиган ҳокими Аллаберди Тоз неча бир хорлик билан мағрур бошини подшоҳ кундасига қўйиб, мир унинг танини бошидан енгиллатди. Айримлар айтишича, мир Аллабердини ҳали подшоҳлик номини олмасдан бурун ўлдирган экан. Алқисса, ул вилоят мамлакатларини Саййид *оталиқ* юзга топшириб, Бухорога қайтди.

Мир Ҳайдар подшоҳнинг Шаҳрисабз вилоятига лашкар тортгани

Анчадан сўнг мир Ҳайдар Шаҳрисабз томон лашкар тортди. Бир неча масофани босиб ўтиб, ул вилоятга етди. Ниёзали *девонбеги* унинг келганидан воқиф бўлиб, уруш ва уруш ишига ҳозирлик кўрди. Эртаси куни улар орасида шундай қаттиқ жанг бўлдики, қадимгиларнинг қиссаси тарих саҳифаларидан ўчишига сал қолди. Мир Ҳайдар подшоҳ қараса, иши юришадиган эмас. Ноилож ярашиб, Бухорога қайтди. Ўша пайтда Ўратепада Бобо *девонбеги* ҳукмронлик қиларди. Худоёрбий валинаъмининг тўнғич ўғли Бекмуродбек Бобо *девонбеги*нинг куёви бўлиб, тажрибасизликдан бир нечта хушомадгўй ва ҳаромийлар сўзига кириб, ўзининг бузруквор амакисини аёвсиз қиличнинг дамидан ўтказди ва унга шаҳидлик шарбатини ичирди. Бу ўта ярамас иш ниҳоят унинг ёқасидан олиб, олти ойдан сўнг ўзи қазиган чуқурга ўзи қулади.

Мазкур воқеа тафсили шуки, Бобо *девонбеги*нинг шаҳидлигидан кейин, Бекмуродбий амирлик мансаби ўриндиғига ўтириб, Ўратепани барча тобе ерлари билан бирга қўли остига олди. Бу хабар эса бутун Туркистон бўйлаб тарқалиб, амир Ҳайдар подшоҳ ҳам воқеа тафсилотини эшитгач, йўналиш жилловини ул шаҳар томон бурди.

Амир Ҳайдарнинг Ўратепа томонга лашкар тортгани

Шундан сўнг ҳеч тўхтовсиз лашкар билан Ўратепа сари юриб, анча масофани босиб ўтгач, Ём¹²⁸⁶ мавзесида қўш ташлади. Бу хабар Бекмуродбий қулоғига етишиб, хизматкорликни ўзига касб қилиб олган кўйи элчи юбориш орқали «агар жаноб амир меҳрибонлик кўргузиб, гуноҳимдан ўтсалар, кўнглим тинчиб, шу заҳоти даргоҳлари бўсағасини ўпиш учун бораман», дея арзга етказди. Мир Ҳайдар подшоҳ Бекмуродбекнинг бу сўзларини эшитиб, жуда хурсанд бўлди ва унинг элчисига олий сарупо инъом қилиб, ул бечоранинг кўнглини тўлдирди ва ўзининг элчисини ҳам келган элчига қўшиб юборди. Бекмуродбий қон тутиб, Мир Ҳайдарнинг буғдой деб, арпа сотувчи сўзларига алданган кўйи унинг ўрдусига келди. Мир Ҳайдар подшоҳ ўша куниси унга марҳаматлар кўргузиб, яхши бир жойга туширди. Эртаси куни Бобо *девонбеги*нинг ўғлига «отаннинг қони учун ундан қасос ол», деб буюрди ва Бекмуродбий бузруквор амакисига ичирган шарбатдан ўзи ҳам татиб, бировга қилган ёмонлиги ўзига қайтиб, оламдан ўтди. Бундай ишлар ҳақида демишлар, **байт**:

Бади макун ки дар ин киштзори зуд завол,
Ба даст овари ҳамон бидарави ки худ кори.
[Ёмонлик қилма ки бу ўткинчи далада,
Нимани эксанг шуни ўриб оласан].

Мир Ҳайдар подшоҳ Бекмуродбий ишидан тинчигач, у ердан қўзғалиб, Ўратепа қалъасига кириб қўш ташлади. Ўратепани барча тобе ерлари билан бирга ўзининг қувват қўлига киритиб, ул мамлакат ҳукуматини мулло Эрназарбий манқит зиммасига юклади. Бухоронинг Ҳаким *қўшбеги*нинг акаси Муҳаммад Қобилбий *иноқ*¹²⁸⁷, Бекмурод *парвоначи* каби улуғ амирзодаларига ўхшаш тожику ўзбекдан иборат тўрт минг жасур кишини ўша мамлакатга тайин қилиб, ўзи Бухорога қайтди.

Элтузархоннинг Бухоройи шариф томонга лашкар тортгани ва унинг дарё наҳанги оғзига кетгани зикри

Ўша пайтда Хоразм мамлакатада Элтузархон¹²⁸⁸ давлат ноғорасини чалиб ўтирган эди. Мовароуннаҳр подшоҳларини писанд этмай, ўз югурдақларидан бири ўрнида кўрарди. Ниҳоят, давлат ғурури уни ўз ҳолига қўймай, Бухорони фатҳ этиш умидида катта лашкар билан Омуй

¹²⁸⁶ Ём – Ём қалъаси – Зомин ва Ўратепа орасида жойлашган манзил. Аввалбошда чопарларнинг қўналғаси бўлган.

¹²⁸⁷ Иноқ – дўст, яқин маҳрам ва сирдош маъносида. Хон (амир)нинг энг яқин суҳбатдошларига берилган унвон. Саройдаги барча надим ва маҳрамлар устидан назорат ҳам қилган. Иноқи калон – иноқларнинг каттаси.

¹²⁸⁸ Элтузархон 1804 йили ўзини хон беб эълон қилган қўнғирот сулоласининг вакили. 1806 йили ҳалок бўлган.

дарёсидан кечиб ўтди. У бу ғурур орқасида муҳрига ушбу исми назм билан ўйиб ёздирган эди, муҳрига ўйилган исм будир:

Хасмдин айламоғон андеша,
Элтузархони шижоат пеша.

Элтузархон хабари мир Ҳайдар подшоҳ қулоғига етишгач, тўхтовсиз равишда Бухоронинг барча амирларига душман қаршисига чиқиш борасида фармон берди. Амирлар бир неча масофани босиб ўтгач, ўзларини манзилу мақсадга етказдилар ва қўшиннинг довул ва сурнай-карнайлари овози заминунга замонни ларзага келтирди. **Маснавий:**

Ғиревидани кўси дарида мағз,
Ба пойи тамаккун бароварда лағз.
Ду дарёйи хунин бароварда жўш,
Медарид мағзи сарон з-он хурўш.
[Ноғора товуши мияни тешди,
Сабот оёғига ларза тушди.
Икки қонли денгиз кўпириб,
Бошдаги мияни ёрди сурони].

Икки томон урушга кирдилар ва ўлдир-ўлдир бозори қизигандан-қизиди. Анча уруш ва жангдан сўнг зафар насими бухоролик амирлар байроғи томон киришди ва Урганж лашкари қочиб сари юзландилар. Қочоқларнинг жуда кўпи дарёга ғарқ бўлишди. Ҳали ҳам ўз фикрида турган Элтузархон қараса, иш қўлдан чиққан ва олов билан ўйнашиб бўлмайди. Ноилож бўйнини эгиб, кемага чиқди ва қочиб кета бошлади. **Байт:**

Оҳ аз он толеи баргашта ки ҳар рўз маро,
Рў ба жойе бинамояд ки бало бештар аст.
[Қайтган толедан оҳким, у ҳар кун бизни,
Бало кўпроқ жойга бошлаб боради].

Бечора дарёда сафар қилмоқчи бўлди-ю, аммо шу кўйи охира сафарига чиққанини билмади. Чунки, қочоқ аскарлар душман чангалидан қутулиш ниятида хон чиққан қайиқ атрофини ўраб олиб, улар ҳам чиқмоқчи бўлишди. Ахир хони билан бирга дарёдаги балиқларга ем бўлажакларини қайдан ҳам билишибди. Элтузархон ўзи омон қолиши мақсадида ҳеч кимни кемага яқинлаштирмаслик учун қанча уринмасин, барибир ажал ёқасидан ушлаб олиб, бирор фурсат кўйиб юборишга йўл бермади, яъни хоннинг ҳаракатлари беҳуда кетиб, одамлари қайиққа қаттиқ ёпишиб олишди ва улар оғирини кўтара олмаган кема ҳаммасини олган кўйи дарё тубига чўқди. Шу зайл хону аскарлар барчаси фано дарёсига ғарқ бўлдилар¹²⁸⁹. Урганж аҳолиси бу воқеани кўриб, таслимга рози бўлдилар. Бухоролик амирларни кутиб олиб, Урганжнинг фатҳ этилганини билдирдилар. Ўша куниси Урганжнинг Бешқалъасида мир Ҳайдар подшоҳ номига хутба ўқилди. Бухоро амирлари Урганж қалъаси ичига кирмоқчи бўлиб турганларида эгри юрувчи фалак эски одатини қилиб, имкон оламида бошқа бир тақдир ўйинини қизитиб юборди. Шоир айтмиш, **мисраъ:** Наздики лаб оранду чашидан натавонанд (Оғзига яқин келтиришади-ю, ичиша олмайди); Бу воқеанинг юзага келиш сабаби шуки, ўша вақтда олий мартабали амир Олимхон Фарғона лашкари билан Ўратепа сари йўналди ва ул вилоятни бир ҳамладаёқ эгаллаб, бу вилоятда ҳимоя учун қолдирилган барча бухоролик амирзодаларни тўрт минг кишиси билан асир олди. Бу хабар бутун Мовароуннаҳр бўйлаб ёйилди. Буни эшитган амир Ҳайдар подшоҳ қаттиқ ташвишда қолиб, узоқ ўйга толди. Ноилож, кетма-кет енгилюрар чопарларни фармон билан амирлар олдига жўнатиб, «Урганжни ўз ҳолига ташлаб, дарҳол олий даргоҳ остонаси сари қайтинглар, чунки бу томонда ялписига бало-қазо офати қўзғалажак кўринади», дея буйруқ берди. Амирлар Урганж шаҳрини фатҳ қилмоқчи бўлиб турган айни чоғда бу каби буйруқ нишонини ўқиб, нонни сувга ботирган бир вақтда тарвузлари қўлтиғидан тушди ва ноилож Хоразм мамлакатини кўйиб, тезлик билан Бухоро томон йўналдилар. Урганж халқи эса Бухоро амирлари кетганидан хабар топгач, Элтузархоннинг укаси Муҳаммадраҳимхонни салтанат тахтига чиқардилар. Муҳаммадраҳимхон ўта шижоатли ва ботир киши бўлиб, бутун Хоразм мамлакатини ўз тасарруфи доирасига киритди ва фармонфармолик ишлари билан машғул бўлди. Ўша пайтда Муҳаммадраҳимхон Хоразмда, жаноб амир Умархон Хўқандда ва амир Ҳайдар подшоҳ Бухорода ҳукмронлик қилишарди. Шу сабабли бир шоир ўша мазмунни ушбу туркий байтда жойлаштирган экан. **Байт:**

¹²⁸⁹ “Фирдавс ал-икбол” асарида Мунис шохидлар сўзи бўйича ёзишига қараганда, Элтузархон ўзини эмас, кўпинча ёнидаги аскарларни ўйлаб, кемачи таъқиқига қарамай уларнинг кемага чиқишига рухсат берган ва натижада бу раҳмдиллиги боис кема ағдарилиб, бошдан-оёқ темир совут кийган хон дарёга чўкиб ҳалок бўлган.

Муҳаммадраҳим олдида топса жой,
Умар тобе ўлмазми, Ҳайдар муте.

Алқисса, мир Ҳайдар подшоҳ Ўратепанинг фатҳ этилганини эшитиб, ўз амирларини Хоразмдан чақириб олиш пайдан бўлди.

Мир Ҳайдар подшоҳнинг Ўратепа томонга лашкар тортиб боргани зикри

Мир Ҳайдар подшоҳ бир оз муддатдан сўнг катта қўшин билан сана 1221 /1806-07 йили Ўратепа томон юзланди. Анча йўлларни ортда қолдириб, ул диёрга етди ва Истравшан қалъасини паргор чизиғи каби айлана қилиб ўраб олиб, камал ишига киришди ва урушга кириш учун барча лашкарига фотиҳа берди. Ўша вақтда Ўратепа вилоятини амир Олимхон томонидан қўйилган мулло Раҳматуллоҳ ва Қадим *иноқ* бошқарар эдилар. Ул икки сардор қалъа сари югурганларга қарата узлуксиз отиш йўсини билан ўқ ва милтиқ ёмғирини ёғдиришди. Натижада ўликлардан тепаликлар ҳосил бўлди. Чунончи, Қадим *иноқ*нинг ўз оғзидан эштишимча, битта мерган ўточар милтиқ билан бир ўзи юз нафар душман аскарини санаб туриб ер тишлатган экан. Энди шундан қиёс қилаверасиз. Мир Ҳайдар подшоҳ қараса, қалъани фатҳ этиш ақлдан йироқ ва хаёлдан узоқ гап. Шунингдек, айни топда Хўқанд томондан амир Олимхоннинг ёрдам учун отлангани хабари ҳам келиб қолди. Ноилож, Ўратепани олиш фикридан қайтиб, ул диёрни ўз ҳолига қўйган кўйи Бухорога қайтиб кетди. Анча йўл босиб, Бухорога кириб борди ва чарчоқларини ёзиб, дам олишга киришди. Унинг кетидан Хўқанд амирларининг энг эътиборлиси ҳисобланган Ражаб *девонбеги* амир Олимхондан ҳадикка тушиб, қочганча амир Ҳайдар подшоҳ хизматига келди. Амир Ҳайдар унинг келганини улуғ бир файзу баракот сирасидан деб билди ва Ражаб *девонбегини* ўзига яқин *надим*лар қаторига киритди. Ўша Ўратепадан қайтиш пайтида Каттакўрғонда саййидлик паноҳи азиз акам Маҳмудхон рухсат олиб, Сангзор¹²⁹⁰ қалъасига бориб кирди. Уч кундан сўнг амир Олимхоннинг Жиззахдан қайтгани ва Ўратепани ҳам холи қолдирганча, ўзи Хўқандга кетгани ҳақида хабар келди. Маҳмудхон бу хабарни эшитган заҳоти ҳеч тўхтовсиз ва тез равишда ёнига атиги икки-уч кишини олиб, Ўратепа томонга қараб кетди. Маҳмудхон менинг ўзимга «биз ўшанда Ўратепани икки оқ танга билан қўлга киритган эдик» деганини эшитганман. Маҳмудхон бу тўғрида шундай ҳикоя қилганди: – Шу кетишда бориб тўғри шаҳарга кирдик, аммо, бизни йўқлаб келгувчи бирор одам бўлмади. Икки кун сой бўйида тунашимизга тўғри келди. Икки кундан сўнг ёнимизда қолган ўша бор-йўғи икки тангага анчагина мол гўшти сотиб олиб, шўрва пиширдик ва шаҳар оқсоқолларидан беш-олтитасини меҳмонга чақирдик. Уларга яхши-яхши сўзлар айтиб, кўнгилларини тўқ қилдик. Улар биз учун ёрдамга ошиқиб, халқ билан бирга ҳукумат гумашталарига ҳужум қилдилар. Бизни эса уринишга қўйишмади. Ҳа, ўшанда бисотимда мазкур икки тангадан бўлак ҳеч вақо йўқ эди». Маҳмудхон Ўратепани барча тобе ерлари билан қўлга киритгач, мамлакат ободончилиги учун киришди.

Ва ўша пайтларда Кобулдан Шоҳзамон ташриф буюрди.

Ақл эгалари кўнглидан яширин қолмасинким, бу соҳиби давлатларнинг ҳар бири ҳақида батафсил баён этишга киришсам, сўз узоққа чўзилади. Шунинг учун бошида ўзбек давлати баёнини айтдик ва охирида Бухоро ва Хўқанд давлати ҳақида бўлак-бўлак сўз юритамиз. Бинобарин, бу ерда Афғония аҳволи баёнида бир неча сатр ёзиш фурсати келди. Гарчи маънолар мағзини чақувчи нуктасанжлар кўнглига малол келса ҳам бу мавзунини айтиб ўтмасак бўлмайди. Гапнинг қисқаси шуки, соҳибқирон Нодиршоҳ ўлими воқеаси рўй бергач, шоҳ ёнидаги барча амирлари тарқаб, ўз ўлкалари сари кетдилар. Шу орада садозай жамоасидан бўлмиш ва Нодиршоҳнинг *удайчи*¹²⁹¹си мансабида турган Аҳмадхон ибн Садад афғон¹²⁹² ўз жамоасини олиб, Кобул томонга юзланди. Унинг ёнида Кобул шаҳзодаларидан бири ҳам бор эди. Иттифоқо, йўлда жаҳон кезган ва дунё кўрган бир қаландар

¹²⁹⁰ Сангзор, қалъа – Жиззах-Самарқанд йўлида, Илон ўтди дарасида жойлашган.

¹²⁹¹ Удайчи – ҳидоятчи. Хон (амир) хузурига элчилар, даъват этилган амалдорлар ва б. олиб кирадиган мансабдор.

¹²⁹² Аҳмадхон ибн Садад афғон (Дурроний) – Дурроний (Абдолий). Дурроний (тахм. 1721 – 1773) – афғон давлат арбоби ва саркарда, мустақил афғон давлати асосчиси, шоир. Афғонларнинг дурроний қабиласининг садозай уруғидан. 1738 й. Эрон шоҳи Нодиршоҳ Афшар хизматига кирган. 1747 й. Нодиршоҳ вафот этгач, у Эрон армиясидаги афғон қўшинларини Афғонистонга олиб кетган. 1747 й. Афғонистон шоҳи деб эълон қилинган. Ўз ҳукмронлиги остига барча афғон қабилалари ҳамда хонларини бирлаштириб, уларни турли совғалар, ерлар, мансаблар билан ўзига тарафдор қилиб олган. Ҳиндистон, Эрон ва Жанубий Туркистонга қатор ҳарбий юришлар уюштириб, Панжоб (1748-51), Кашмир (1752), Сирхинд ва Синд (1757), Балужистон (1750), Сейистон (1754), Хуросон (1754) ва Балхни (1752) босиб олган. 1761 й. Панипат жангида маратхаларни тор-мор келтирган. Умрининг сўнги даврида сикхлар билан унча муваффақиятли бўлмаган урушлар олиб борган давлати (1747-1818)нинг асосчиси. 1721-1773 йй. яшаган.

йўлиқди. Ул сочлари патила-патила қаландар қўлида бир дона буғдой бошоғини ушлаб олган эди. Аҳмадхон қаландардан ёнидаги шоҳзода учун дуо қилишни сўради. Ул сайёҳ қўлидаги бошокни шоҳзода бошига тақини билдирди. Ул бедавлат шоҳзода эса бундан ўзини олиб қочиб «бу оёқ яланг, боши очик девона дуоси билан мушкилимиз ечилмасов», деди. **Байт:**

Либоси кўҳна кадри дардмандон кам намесозад,
Агар жавҳаршиноси теғро урэн тамошо кун.
[Эски тўн дардли ошиқлар кадрин пасайтирмас, бил,
Агар гавҳаршинос бўлсанг, қилични яланғоч томоша қил].

Ул ҳақ йўлидаги мажнун шоҳзоданинг бу сўзларидан жаҳли чиқди ва ўрнидан сапчиб туриб, қўлидаги буғдой бошоғини Аҳмадшоҳнинг бошидаги салласига санчиб қўйди ва Аҳмадшоҳ ҳаққига дуо қилди. **Мисраъ:** Маълум шуд ки рўзии кас кас намехўрад (Аён бўлдим, биров бировнинг ризқини ея олмайди); Аҳмадшоҳ эса ўрнидан ирғиб туриб, ул қаландарнинг қўлини ўпди ва таъзиму хурматини жойига қўйди. Кейинчалик Аҳмадшоҳ «бутун рубъи маскунга фармон берувчи бўлишимни ўшандаёқ англаган эдим», дея ҳикоя қилган экан. Камина ҳам бу каби воқеани муборак Жидда шаҳрида бир жаҳонгашта сайёҳ ва Яман подшоҳзодаси ўртасида кечганини бу шоҳзоданинг маҳрами биродарим Юсуф афанди гувоҳлигида мушоҳада қилган эдим. Ҳозирда бир нечта ҳожилардан эшитишимча, ул шоҳзода Яман мамлакатлари барчаси устидан ҳукм юргизишга эришибди ва бугунги кунда ҳам ҳаёт экан. **Байт:**

Кас намедонад дар ин баҳри амиқ,
Сангреса қадр дорад ё ақиқ.
[Киши билмайди бу чуқур денгиз тубида,
Майда шағал борми ёки аъқиқ тоши].

Аҳмадшоҳ Кобул шаҳрига етишгач, оз вақт ичида Кобул мамлакатини эгаллади ва Ҳиндистоннинг Ҳафтдонак мулки томон юриш қилиб, у ер мамлакатининг анчасини ўз қўлига киритди ва ул иқлим фармонфармоси бўлди. Анчадан сўнг вафот этиб, ўрнига ўғли Темуршоҳ жаҳон бошқариш тахтига минди. Темуршоҳ жудо доно, шоир ва илмда моҳир подшоҳ эди. Яна талай афғон ўлкаларини қўл остида сақлади. Вафот этганида ундан кўп фарзандлар ёдгор қолди. Унинг замонида баракзай жамоаси мансабларга эришдилар. Чунончи, Фатҳихон баракзай вазирлик ўринидиғига ўтирди. Укаларининг ҳар бири бирор туманда ҳоким бўлдилар. Чунончи, сардор Азимхон жаннатга менгзар Кашмир¹²⁹³ да ҳукм сурди. Темуршоҳнинг давлати бир неча йил ўз ўрнида барқарор бўлиб, ниҳоят бу давлат куёши ботиш сари юз тутиб, Темуршоҳ бу ўткинчи дунё билан хайрлашди ва ўрнига фарзанди шоҳзода Замоншоҳни салтанат тахтига ўтқаздилар. Унинг муҳрига эса қуйидаги битикни ўйиб ёзган эдилар, **Замоншоҳ муҳридаги сажъ:**

Чу тахти шаҳи шуд зи Темур тихи,
Замон дар замон ёфт шаҳаншаҳи.
[Шоҳлик тахти Темурдан бўлди холи,
Замонда Замон топди шаҳаншоҳлик].

Замоншоҳ ул вилоятда фармон берувчи бўлгач, ўша пайтларда қариндоши Маҳмудшоҳ Ҳиротдан Кобул сари юриш қилиб, Замоншоҳ устидан ғалаба қозонди ва уни ушлаб, ёруғ жаҳонни кўрувчи кўзига мил тортиб, кўр қилди. Демишлар, **байт:**

Ба чашми мунираш кашиданд мил,
Фишонданд аз наргисаш оби Нил.
[Нурли кўзига тортдилар мил,
Қилиб кўз ёшин юзида гўё Нил].

Ғолиб чиққан Маҳмудшоҳ салтанат тахтига ўтирди. Аммо, амирлар уни хоҳламай, бир неча кундан сўнг барчаси иттифоқ бўлиб, Шоҳ Шужоъ ал-мулкни тахтга ўтқаздилар. Шоҳ Маҳмуд эса қочиб, яна Ҳиротга кетди. Бироқ, анча вақт ўтгач, неча бир ҳийла ва найранг билан Фатҳихон вазирни қожорга қарши уруш баҳонасида Кобулга чақирди ва неча бир хорликда ул вазирлик паноҳини қатлга етказдилар. Бу хабар унинг укаларига етиб, ўз подшоҳзодаларига қарши бош кўтардилар. Анча урушлар рўй бериб, Шоҳ Шужоъ ал-мулк икки марта тахтдан туширилиб, икки марта қайта тахтга чиқди. Ниҳоят, қочиш сари юз тутиб, Лоҳур томонга кетди. Лоҳур подшоси Ранжид¹²⁹⁴ уни ушлатиб, қамоққа ташлади. Бу ҳибсга олишининг сабаби шунда эдики, ер юзидаги подшоҳлар ўртасида жуда қимматга эга бўлган иккита тош бор – биттаси «Дарёи нур», иккинчиси

¹²⁹³ Кашмир – Ҳимолай ва Тибет бирлашган ҳудуддаги тарихий ўлка. 1756 йили афғонлар томонидан босиб олинган эди. Расман Жамму ва Кашмир штати номи билан Ҳиндистон таркибига киради.

¹²⁹⁴ Ранжид – Ранжит Синг, Панжобнинг ҳукмдори. Давлат арбоби ва сиёсатчи.

«Кўҳи нур»¹²⁹⁵. «Дарёи нур» Эрон подшоҳлари қўлида бўлиб, мен уни доруссалтана Техронда Фатҳалишоҳ билагида кўрганман. «Кўҳи нур» эса афғон подшоҳлари қўлида бўлиб, уни Шужоъ ал-мулк ўзи билан бирга Ранжид хузурига олиб борган эди. Бинобарин, қамокқа олиб, қийноқлар билан қўлидан тортиб олди. Шужоъ ал-мулк у ердан қочиб, Шоҳжаҳонободга фарангилар хузурига борди. Кобул вилояти эса анча жанжал ва олишувлардан ҳамда сардор Муҳаммад Азимхон вафотидан сўнг Дўст Муҳаммадхон¹²⁹⁶ ғози қўлига ўтди. Дўст Муҳаммадхон соҳиби тадбир, шижоатли ва доно бир амир эди. Камина жуда кўп ўлкаларни кўрдим ва эл-юрт орасида эҳтиромга эга бўлган анчагина подшоҳларнинг суҳбатида бўлдим. Аммо, оғам амир Дўст Муҳаммадхон каби кишини кўрмадим ва эшитмадим. Амир Дўст Муҳаммад даврида Шужоъ ал-мулк уч марта фарангий ёрдамига суяниб, лашкар йиғиб келди ва улар ўртасида қаттиқ урушлар рўй берди. Ҳар гал енгилиб, ҳар сафар Ҳиндистонга қочиб кетди. Давлат шу билан садозайлар хонадонидан баракзайлар қўлига ўтди. Дўст Муҳаммадхон билан Шужоъ ал-мулк ўртасида кечган тўртинчи галги уруш воқеасини эса, Худо хоҳласа, кейинроқ баён қиламиз.

Алқисса, Замоншоҳнинг ёруғ жаҳонни кўрувчи кўзига мил тортилгач, бир неча кундан сўнг оиласи билан кўч-кўронини кўтариб, Мовароуннахр мамлакатлари сари йўлга тушди. Анча йўлларни орқада қолдиргач, Бухоро яқинига келди. Бу хабар амир Ҳайдар подшоҳ қулоғига етишиб, кутиб олиш учун хос *надим*ларини юборди. Улардан бири Ражаб *девоубеги* бўлиб, у шундай ҳикоя қилганди: «Мир Ҳайдар подшоҳ бир неча нарсани мулоҳаза қилган кўйи бир кечаси меҳмонни ўз хузурига чорлади ва кўрунишхонанинг олдигача келиб, истиқболга пешвоз чиқди. Афғон шоҳи ва ўзбек подшоҳи бир-бирини бағрига босиб кўришдилар. Амир меҳмоннинг қадамига ҳасанотлар айтиб, унга иззат-икромлар кўрсатди. Суҳбат охирида кетишга рухсат берди ва яшаб туриши учун яхши бир уй тайин қилди. Йўл чарчоқларини ёзиб, дам олди. Ул ғурбатда қолган шоҳнинг ҳаё пардаси ортида ўтирган бир қизи бор эди. Мир Ҳайдар подшоҳ ул мастура қиз дарагини эшитиб, Шоҳ Замон олдига совчилик расми билан одам юборди. Шоҳ бу гапдан ғазабланди ва «биз ул зотнинг ҳам тенги эмасмиз ва ҳам аларнинг вилоятига мусофир сифатида келиб қолдик. Бу ишдан бизни маъзур тутсалар» деди. Шоҳнинг бу жавобидан сўнг амир Ҳайдар подшоҳ вужудини ғазаб туйғуси чулғаб олди ва шоҳ ҳарамининг ул исмат пардаси ортидаги қизини зўрлик билан ўз никоҳига киритди. Ул юртсиз овора шоҳ эса неча бир ҳасрат ва алам доғи билан байтуллоҳ сари равона бўлди».

Ўша вақтларда 1225/1810 йили амир Олимхоннинг вафот этиб, ўрнига Умархон салтанат тахтига ўтиргани хабари келди. Анчадан сўнг саййидлик паноҳи Маҳмудхон амир Ҳайдар подшоҳдан арзимаган нарса учун аразлаб, ундан айрилганча амир Умархонга келиб қўшилди. Бу хабарни амир Ҳайдар подшоҳ эшитиб, ул вилоят сари юзланди.

Амир Ҳайдар подшоҳнинг Пешоғар қалъаси сари кўшин тортгани зикри

Амир Ҳайдар подшоҳ ул тарафга равона бўлгач, бир неча масофани ортда қолдириб, Пешоғар¹²⁹⁷ мавзесига келиб тушди ва ул замин қалъасини янгидан қуриб, Худоёрбий валинаъмининг иккинчи ўғли оғам Муҳаммадраҳим *девоубеги* қўлига топширди. Бу хабарни амир Умархон эшитгач, Фарғона лашкарини олиб, саййидлик паноҳи Маҳмудхон билан бирга мақсад сари юзланди. Бир неча масофа йўл юриб, Ём мавзесига келиб тушди. Ҳар икки подшоҳ орасидаги масофа уч фарсахлик йўл эди. Амир Умархоннинг келганидан хабар топган амир Ҳайдар подшоҳ эрталаб тонгда Бухорога қайтиб кетди. Эртаси куни амир Умархон жангга тайёрланиб, Пешоғар томонга қараб юрди. Аммо, у ерга етиб келиб, мир Ҳайдар лашкаридан ному нишон топмади. Амир Умархон шоирларидан бири шу муносабат билан яхши бир таърих айтган экан ва **таърих** ушбудир:

Пай ҳаст, Ҳайдар нест.

¹²⁹⁵ «Кўҳи нур» олмоси инглизлар қўлига тушиб, Англия қироллик хазинасига олиб кетилган ва қирол тожиги тақилган.

¹²⁹⁶ Дўст Муҳаммадхон – (1790, бошқа маълумотларга қараганда 23.12.1793 – 9.6.1863, Ҳирот), афғонлар амири (1834 йилдан). Пояндахоннинг ўн иккинчи ўғли. 1818 йили Дурронийлар давлатининг қуллаши натижасида 1826-27 йилдан Кобул ва Ғазна вилоятларини бошқарган. 1834 йили ўзини амир деб эълон қилади ва баракзайлар сулоласи ҳукмронлигига асос солади. Унинг мамлакатни бирлаштириш учун олиб борган кураши Буюк Британия қаршилигига дуч келади. 1838 йили Англия Афғонистонга ҳужум қилади. 1840 йили Дўстмуҳаммад асирга олинди ва Ҳиндистонга бадарға этилди. 1842 йили урушда мағлуб бўлган инглизлар Дўст Муҳаммадни озод қилишга мажбур бўлдилар. Афғонистонга қайтгач, Дўстмуҳаммад 1855-1863 йиллар давомида Қандаҳор, Шарқий Сейистон, Ҳирот ва Амударёнинг чап сохилларидаги ерларни босиб олди.

¹²⁹⁷ Пешоғар – Пешоғар, қалъа – Жиззах ва Ўратепа орасида қурилган Қўқон қалъаси.

[Изи бор, лекин Ҳайдарнинг ўзи йўқ¹²⁹⁸)

Ўша пайтда Шаҳрисабзда Ниёзали валинаъми ҳам вафот этиб, ўрнига тўнғич ўғли Муҳаммад Содикбий *девонбеги* Шаҳрисабзда амирлик мансабига ўтирди. Китоб¹²⁹⁹ шаҳрида унинг укаси Дониёлбий амирлик юргизадиган бўлди. Бу икки амирлик паноҳининг онаси Рустам *оталиқ* авлодидан ва Олимбийнинг кизи эди. Уларнинг Хўқанд амирларига тоға-жиянлиги шу жиҳатдан бўлиб, худо хоҳласа, ўз ўрнида баён қилгумиздир. Ва кўп ўтмай бу икки ака-ука бир-бири билан чиқиша олмай, Шаҳрисабз ва Китоб орасида кўп урушлар бўлиб ўтди. Бу хабарни эшитган амир Ҳайдар подшоҳ дарҳол Каши дилкаш¹³⁰⁰ сари юзланди. Анча манзилларни босиб ўтиб, ул диёрга етди. Амир Ҳайдарнинг келганидан Муҳаммад Содикбий ва Муҳаммад Дониёлбий воқиф бўлиб, ака-укалар ярашиб ва биргаликда иттифоқ тузиб, уруш майдони сари йўл солишди. Эртаси куни Имом Якуб мавзесида шундай жанг бўлдики, ўликлардан тепаликлар ясалди. Ўша куниси мир Ҳайдар подшоҳ лашкари жуда танг аҳволга тушиб, мирнинг ўзи ҳам шу мавзегга келиб, қўш ташлашга мажбур бўлди ва индинига қараса, иш осонликча битмайдиган. Ноилож сулҳ битими тузиб, Бухорога қайтиб кетди. Муҳаммад Содикбий амирлик тахтига ўтирди. Айтишларича, кенаси мирлари орасида унга ўхшаш шижоатли ва ҳимматли киши ўлмаган экан. Балки, бутун Мовароуннаҳрда ҳам у кабиси кам бўлган. Аммо, ақлида сал ноқислик бор экан. Айтишларича, бир куни юқорида эслатганимиз эронлик Ҳожихон ибн Байрамалихон муҳожирликда турган пайти суҳбат орасида унга қараб, «Байрамалихон бобонинг мартабаси улуғми ё ҳазрат Али бобомизникими?» дебди. Ҳожихон телбаларча айтилган бу сўзларни эшитиб, жавобида ҳеч нарса демабди ва жим бўлиб қолибди. **Байт:**

Дар суҳан гуфтан камоли жоҳилон пайдо шавад,
Тири каж чун аз камон берун жаҳад расво шавад.
[Сўзлаганида жоҳилларнинг кимлиги билиниб қолади,
Эгри ўқ камондан отилса, айби аниқ намоён бўлади].

Бир куни Шаҳрисабздан Китобга келаётганида мол бозоридан бир ола буқа олиб қайтаётган кишидан «сигирингнинг номи нима», деб сўрабди. Ул содда ўзбек бечора нима деб жавоб беришини билмай қолибди. Мир эса ҳадеб сўрайверибди. Сигир эгасининг мирнинг муддаосини тушуна олмай роса боши қотибди. Мирнинг ўзи ҳам нимани сўраётганини англаш даражасида эмас экан. Ниҳоят, мир дарғазаб бўлибди ва ҳалиги одамни таёқ билан савалай кетибди. Ул бечора туркий тилда, «хўқизимизнинг оти хўқуздор», дебди ва ҳар томонга қараб зир югуриб, қоча бошлабди. Ниҳоят, *надим*лардан биттаси муддао нималигини сезибди ва сигир эгасига «мир сендан сигирнинг баҳосини сўрамоқдалар», дебди. Шундан сўнг мир ҳам янглиш гапирганига ақли етибди. Шу топда сигир эгаси сигирни сотиб олмагани, балки ўзиники бўлгани сабабли унинг нарҳини айтиш эсига келмаганини боис беҳуда таёқ еганига пушаймон бўлибди. Мирнинг бундай бўлмағур гапларни кўп айтган. Уч йил амирлик мансабига ўтириб ва элик олти йил умр кўриб, дунёдан ўтди. Унинг ўрнига азиз фарзандлари Дўстмуҳаммадбий ва Жаҳонгирбийлар ўтиришди. Ул икки дунё беҳабар мирбачча мудом май ичиш ва гуландомли соқийлар билан ўтиришга машғул бўлдилар. Бу кажрафтор фалакнинг не-не ўйинлари борлигидан хабарсиз ва улардан бирини салтанат мансабидан кулатиши, яна бирини эса қуйилик мақомидан олий мансабга етказишини билмас эдилар. Чунончи, оғам мавлоно Ҳозиқ айтмишлар, **назм:**

Набойд буд аз мансубаи назди фалак ғофил,
Ки мансабҳояш маъзулист, маъзулиҳош мансабҳо.
[Фалакнинг ўйинларидан ғофил бўлиш керак эмас,

Мансабу мартабалари таназзул, мансабдан тушириши эса янги мақом бўлиши мумкин].

Бир неча кундан сўнг Дониёл *парвоначи* фотиҳа ўқиш учун Китобдан Шаҳрисабзга келди. Ака-укаларни бу ҳолда кўриб, ҳар иккаласини ҳам мансабдан четлатди ва ўзи амирлик мансабига ўтириб, бутун Шаҳрисабз мамлакатини ўз тасарруфи доирасига киритди ва ҳукмронлик ҳамда доду арз сўраш ишлари билан машғул бўлди. Ўша вақтда, 1223/1808-09 йили амир Умархон саййидлик паноҳи Маҳмудхонни қўлга тушириб, Ўратепани Қосим *оталиққа* берди ва ўзи Хўқанд томонга қайтиб кетган эди.

Оғам Муҳаммадраҳим девонбегининг давлати бошланиши зикри

¹²⁹⁸ Бу ерда сўз ўйини бўлиб, ривоятларга кўра, ҳазрат Али ибн Аби Толиб Афғонистон ва Ўрта Осиё каби ўлкаларга ҳам келган ва ўша жойларда оти Дулдулнинг изи қолган эмиш. Ҳазрат Алининг лақаби Ҳайдар бўлган ва бу шеърда ана шуларга ишора қилинган. Бошқа маъноси шурни изи бору ўзи йўқ.

¹²⁹⁹ Китоб шаҳри – муаллиф давридаги беклик маркази. Самарқанддан 80 км. масофада жойлашган.

¹³⁰⁰ Каши дилкаш – дилкаш Кеш шаҳри.

Бу хабар Муҳаммадраҳим *девонбеги* қулоғига етгач, Пешоғардан Зомин томонга йўналди ва ул қалъани фатҳ этиб, у ердан ўтиб Ём қалъасини эгаллади. Муҳаммадраҳим *девонбегининг* келганидан Қосим *оталиқ* хабар топиб, катта қўшин билан уруш учун юзланди. Муҳаммадраҳим *девонбеги* ҳам урушга тайёр бўлиб турди ва Ўратепанинг икки фарсахлик нари майдонида икки лашкар тўқнаш келиб, шундай уруш солишдики, Рустаму Асфандиёр уруши китоблардан ўчириб ташланди. Ниҳоят, анча жанглардан сўнг зафар насими Муҳаммадраҳим *девонбеги* байроғи сари эса киришди ва Хўқанд амирлари қочиш водийси сари юзландилар. Улардан Хушвақт *қўшбеги* юз ва Ирискули *девонбеги* ва Худоёр мирзо кабилардан талайгинаси асир тушдилар. Муҳаммадраҳим *девонбеги* бу ғалабага катта умид боғлаб, таъма кўзини Ўратепа сари қаратди. Бу воқеадан хабар топган амир Умархон Қосимбекни Ўратепа ҳокимлигидан четлатиб, Ўратепа ҳукуматини Ражаб *қўшбегига* берди. Чунки, амир Олимхон вафотидан кейин Ражаб *қўшбеги* амир Ҳайдар подшоҳ хизматидан қочиб, Шаҳрисабзга кетган ва у ердан амир Умархон ҳузурига келиб, вазирлик мансабига ўтирган эди. Муҳаммадраҳим *девонбеги* Ражаб *қўшбегининг* келганидан хабар топгач, бир кечаси Ём қалъасидан чиқиб, кўп лашкар билан Ўратепа томон юзланди. Саҳар чоғи ўғринча шаҳарга кириб олди ва кўчаву бозорларда шундай тўқнашувлар бўлдики, ўликлар тўпидан тепаликлар ҳосил бўлди. Ражаб *девонбеги* Муғ аркида қалъа сақлаш ва ўқ, тўфанг отиш ишига машғул бўлди. Муҳаммадраҳим *девонбеги* ҳам янги қурилган қалъа шаҳри ўртасидан туриб жангга киришди. Уруш ва жанг муддати чўзилиб кетди. Ўша вақтда амир Умархон табиатида бир касаллик пайдо бўлган эди, аммо, шу беморлигига қарамай, Фарғона лашкари билан Ўратепа сари йўлга тушди. Анча йўл босгач, Хўжандга келиб тушди. Ўша вақтда Ражаб *қўшбеги* жуда қийин вазиятга тушиб қолган бўлиб, қараса, иш қўлдан кетган. Ноилож Муғ аркини бўшатиб, амир Умархон ўрдуси тарафга ошиқди. Шундан сўнг аҳволни тушунган амир Умархон Хўқандга қайтиб кетишга мажбур бўлди. Хон шоирларидан бири бу воқеа муносабати билан ушбу таърихни топган эди. **Таърих:** «Ражаб бачча партофт» (Ражаб бола ташлади); Мазкур воқеанинг қолгани китобимизнинг жаноб амир Умархон салтанатига бағишланган бобида батафсил баён қилинади. Хуллас, Муҳаммадраҳим *девонбеги* ўзининг меросий мамлакатида амирлик мансабига ўтирди ва ул вилоятга қарашли барча ерларни тасарруф этиб, вилоятни сақлаш ишларига киришди.

Амир Ҳайдар подшоҳ давлати тугашининг бошланиши зикри

Ўша пайти сана 1236/1820-21 бўлиб, амир Ҳайдар подшоҳ давлатининг путурдан кетиши бошланиб, салтанати инқирози авжига минди. Чунки, унга қарашли барча ўлкалар ёппасига амалга ошаётган оммавий тартибсизликлар гирдобига тушганди. Бу фитна бошланиши асосчилари ўзбеклар ичида бебокликда ҳеч кимни олдига чиқармайдиган хитой-қипчоқ жамоаси бўлганди. Улар фитнасининг сабаби шунда эдики, Самарқанд ҳокими Давлат *қўшбеги* набираси Шукурбийнинг тўйи учун Янгиқўрғон қалъасига келганида хитой-қипчоқ улуси йиғилишиб, маслаҳатни бир жойга қўйган кўйи тун ярмидан ошганда *қўшбегининг* уйига бостириб кириб, ёнида бор мол-мулкни талаб, хотин ва бола-чақасини ўғирлаб кетишади. Ўзини эса обрўсини оёқ ости қилганча, қамоққа оладилар. Ўша вақтда амир Умархон Жиззах қалъасини узук қошидек ўртага олиб, қамал иши билан машғул бўлиб турган пайтлар эди. Бу хабарни эшитган хитой-қипчоқ халқи ўзларининг бир нечта амирлари билан бирга Давлат *қўшбегини* яхши хислатли амир даргоҳи остонасини ўпиш учун олиб бориб, ул ҳазратга топширдилар ва подшоҳона меҳрибонликларга сазовор бўлдилар. Ул жаноб эса фақирнинг оғаси Исҳоқ *девонбеги* ибн Маҳмудхонни катта дабдаба билан хитой-қипчоқ халқига қўшиб, ўзи Хўқандга қайтиб кетди. Исҳоқ *девонбеги* Янгиқўрғон қалъасига кириб, давлат ноғорасини чалди.

Ўша пайтда Муҳаммадраҳимхон Хоразмий Бухоро вилоятини бир неча бор босқин-чопқинга учратиб, талончиликни авжига чиқарди ва ўн икки минг оилани кўчириб, Бухоро туманларидан Хоразмга юборди. Йўл-йўлакай қаерга етишса, қатлга етказганларидан ташқари кишиларнинг қулоқларини кесиб, сўнг қўйиб юборар эди. Шунинг учун ҳам ўша вақтда бухоролик қишлоқ аҳлидан жуда кўпчилигининг қулоқлари йўқ, яъни кесилган ҳолатда эди. Ниҳоят, юриб келиб, Бухоронинг Қоракўл томонга қараган дарвозасига етиб, унга ўт қўйди. Кўпчиликка маълумки, бирор шаҳар дарвозасига ўт қўйишгача бориб етилса, демак, шу мамлакат аҳволининг ҳаддан зиёд танг аҳволга тушгандан дарак беради.

Шаҳрисабз томондан эса Дониёл *оталиқ* отланиб, амир Ҳайдар подшоҳга қарашли бир нечта кўрғонни ўз тасарруфига киритди. Амир Ҳайдар подшоҳ бу оловни ўчиришнинг ҳеч бир чораси йўқлигидан ташвиш ва саросима исканжасида қолди. **Байт:**

Ҳар чи расад аз қазо нўш куну дам мазан,
То ту жадал мекуни кор бадтар мешавад.
[Қазову қадардан нима етса индамай сипқор,
Тузатишга уринсанг, ишингни баттар қиласан].

Айни ўша вақтда Исҳоқ *девонбеги* Панжшанба қалъасини худди паргор доираси мисоли кўшиндан айлана ясаб, ўртага олган ҳамда қамал ва уруш ишини авжига чиқарган эди. Шу аснода амир Ҳайдарга Гиждувон қишлоқларини урганжликлар талаб кетаётгани хабари етди. Дарҳол Ражаб *девонбеги*ни Бухоро амирларига сардор қилиб, уларни тор-мор келтиришни буюрди. Бухоро лашкари урганжликларнинг орқасидан қувиб, қум ўртасида Хоразм аскарлари кетидан етиб олишди. Икки лашкар денгиз тўлкинидек бир-бири устига ташландилар. Анча уруш ва жангдан сўнг зафар юлдузи хоразмликлар томонидан балқиб чиқиб, Ражаб *девонбеги*нинг юлдузи бухоролик амирлар билан бирга қуйи сари энди. Қочишга юз тутган бухороликлардан анчасини урганжликлар қатлга етказиб, кўпини асир олдилар. Жумладан, Ражаб *девонбеги*нинг ўғли Эрдонабек ҳам асир тушди. Шукурбий манқит эса жангда ўлдирилди. Ражаб *девонбеги* айрим бухоролик амирлар билан неча бир қийинчилик ва машаққатда ул ҳалокат майдонидан зўрға қутулиб чиқди. Амир Ҳайдар подшоҳ фалакнинг бу каби ўйинларидан ғам денгизига ғарқ бўлиб, бу дардига не чора топишини билмади. Ноилож амирларининг ярмини Бухорода қолдириб, қолганини ўзи билан бирга олиб, Самарқандга сари жўнади. Бунинг хабари Исҳоқ *девонбеги* қулоғига етишгач, Панжшанба қалъасини ташлаб¹³⁰¹, хитой-қипчоқ халқи орасига борди, бироқ у ерда тура олмай, Тошканд йўли орқали Хўқандга қайтди. Амир Ҳайдар подшоҳ бир неча масофани босиб ўтгач, Самарқанд шаҳрига келиб тушди. Ўратепадан Муҳаммадраҳим *девонбеги* келиб, подшоҳ билан учрашди. Ҳисори Шодмондан эса Саййидбий *оталиқ* келиб, кўруниш топди. Амир бу иккала амирлик паноҳининг келишини ўзи учун улуғ файзу баракат нишонаси деб билиб, кўнглини хитой-қипчоқ билан уруш қилиш истагига боғлади.

Эртаси куни Самарқанддан чиқиб, Янгикўрғон сари йўналди. Манзилга етишга яқин қолганда ул қонга чанқоқ бебоклар улар қаршисига чиқиб, шундай қаттиқ уруш солишдики, ўзбекнинг тўқсон икки бовли ҳайрат бармоғини тишладилар. Анча уруш ва жангдан сўнг амир лашкари билан шу ерга қўш ташлаб, қамал ва ҳамла жанглари ишига киришди. Ниҳоят қарашса, иш кўнгилдагидек силжимаяпти. Ноилож яна Самарқандга қайтиб кетдилар. Самарқандга келиб тушгач, улуғ амирларнинг ҳар бирига ўз қароргоҳи сари кетишига рухсат берди. Самарқанд ҳукуматини ўзининг азиз фарзанди Мир Ҳусайн тўрага топшириб, ўзи Бухоро томон йўлга тушди. Ўша вақтда Мир Ҳайдар подшоҳнинг укаси амир Ҳусайнхон Хўқанддан келгач, Шаҳрисабздан чиқиб, хитой-қипчоқ ичига борди ва бир неча кун ўша ерда ҳукумат ноқорасини чалди. Бироқ қараса, бу билан иш битадиган ва бирор мақсадига етадиган эмас. Шу сабабли ул жамоани тарк этиб, яна Шаҳрисабзга қайтиб кетди. Ўша пайтларда олий мартабали амир Умархоннинг вафоти ва ҳукумат тахтига Муҳаммадалихон ғозининг ўтиргани хабари етишди. Мир Ҳайдар янги хон билан алдовни кўзлаган бир дўстлик риштасини боғлаб, ораларида элчилар борди-келдиси амалга ошиб турди. Ўша пайтлари амир Ҳайдар Муҳаммадалихон ғозидан кўнгли хотиржам бўлиб, Самарқанд сари юзланди. Йўлларни босиб ўтгач, ул вилоятга етишди ва азиз фарзанди амир Ҳусайн тўрадан бироз ҳадиксираб қолгани сабабли уни Самарқанд вилояти ҳокимлигидан бўшатиб, Бухорога жўнатди. Самарқанд ҳукуматини эса Давлат *қўшбеги*нинг ўғли Муҳаммадсафарбийга топширди. Ўша кунларда Муҳаммадраҳим *девонбеги* мир Ҳайдар подшоҳдан юз ўгириб, Муҳаммадалихон мода(рзан) билан дўстлик ришталарини боғлаган эди. Амир Ҳайдар подшоҳ Самарқандга етишгач, яна хитой-қипчоққа қарши урушга ҳозирланиб, уларнинг қалъасини қамал қилишга киришди. Қамал ва уруш муддати икки ярим ойга чўзилди. Бу воқеадан илгари мир Ҳайдар подшоҳ Исматуллоҳбийни анча ҳадялар, хусусан, жуда қимматбаҳо бир мурассаъ камар билан Хўқандга Муҳаммадалихон мода олдига юборган эди. У ерда эса Муҳаммадалихон ғози жаноб саййидлик паноҳи эшон Султонхонни Азимбой *додхоҳ* билан бирга Исматуллоҳбийга кўшиб амир хузурига жўнатди. Улар Тошканд йўли орқали амир Ҳайдар подшоҳнинг айни хитой-қипчоқ қамалига киришган пайти етиб келиб, амир кўрунишини топдилар ва мир Ҳайдар подшоҳдан ул жамоанинг гуноҳини тиладилар. Амир эшон жанобларининг сўзини ерда қолдирмай, ўзи ҳам «худо-худо, шу уруш тўхтаса эди», деб тургани учун дарҳол истакларини бажо келтириб, ул жамоанинг гуноҳидан ўтди. Жаноб эшон эса хитой-қипчоқ орасига бориб, мушфиқона маслаҳатлар берди. Ул жамоа ҳам эшоннинг сўзини бажону дил қабул тутиб, ўртада аҳду паймон битими тузилди. Янгикўрғон қалъасини бўшатиб, амир Ҳайдар подшоҳга топширдилар. Шу зайл амир Ҳайдар хитой-қипчоқ исёнидан қутулди, балки бутун Самарқанд ва Миёнкол улар дастидан нажот топишди. Амир Ҳайдар подшоҳ жаноб эшонни ҳамроҳлари билан бирга ёнига солиб, Бухоро

¹³⁰¹ Панжшанба мавзе – Самарқанд ғарбидаги 90 км. масофада жойлашган манзил.

томонга йўл олдилар ва анча масофани босиб ўтгач, манзили мақсадга етдилар. Бир неча кун йўл чарчоқларини ёзиб, истироҳат қилдилар. Сўнг амир Ҳайдар подшоҳ эшон Султонхонга Азимбой *додхоҳ* билан бирга қайтишлари учун рухсат берди. Жаноб эшон Қоратегин йўли орқали Хўқанд сари йўлга тушди.

Анча вақтдан сўнг Урганждан Муҳаммадраҳимхоннинг бу дунёдан охират сари рихлат қилгани хабари келди. Унинг ўрнига ўғли Оллоҳқули тўра салтанатнинг хонлик тахтига чиқди. Укаси Раҳмонқули *иноқ* Ҳазораспда ҳокимлик ўриндиғига ўтирди. Бу хабар амир Ҳайдар подшоҳ қулоғига етишгач, кўнгли қувончларга тўлиб, қаддини андак ростлади. Ахир демишларку, **байт:**

Дар ноумедиҳо босе умед аст,
Поёни шаби сияҳ сафед аст.
[Умидсиз кунларда ҳам аслида умид бор,
Қора тун охири ахир оқлик эмасми].

Ўша пайтлари жаноб қиблагоҳим эшон Маъсумхон Муҳаммадраҳимхон вафот этгач, унинг ўғли Оллоҳқулихон¹³⁰² дан рухсат олиб, муқаддас Машҳад сари юзланди ва ул вилоятга кириб бориб, жаноб ҳазрат Мусо Козим мақбараси¹³⁰³ зиёратини адо этди. Бу хабарни анча йиллар олдин қизини Фатҳали шоҳга турмушга берган ва ўғлини эса шу шоҳнинг қизига уйлантириб, мазкур шаҳарда турғун бўлиб қолган Дин Носирхон ибн Шоҳмуродбий валинаъми эшитиб, жаноб қиблагоҳимни кутиб олди ва ўз уйига тушириб, кўп меҳмондорчиликлар қилди. Бир неча кундан сўнг Дин Носирхон ўз оиласини олиб, Техронга Фатҳали шоҳ ҳузурига кетди. У ердан эса Румга борди. Рум халифаси Султон Маҳмуд меҳрибонликлар кўргузди. Румдан Ўрус юртига ўтиб кетди¹³⁰⁴. Жаноб қиблагоҳим ҳам Дин Носирхон билан хайрлашиб, Бухоро сари юзланди. Бир неча масофани босиб ўтгач, Бухоро вилоятига кириб келди. Бу хабар амир Ҳайдар подшоҳ қулоғига етишиб, Муҳаммадаминхўжа *нақиб*¹³⁰⁵ нинг ўғли ва Эшонхўжани қиблагоҳимни кутиб олиш учун жўнатди. Жаноб қиблагоҳим Аркка чиқиб, амир Ҳайдар подшоҳ ҳузурига кирди. Амир Ҳайдар ўрнидан туриб, девонхона ўртасигача келди ва бир-бирларини бағрига босиб кўришдилар. Амир қиблагоҳимга кўп ҳурматлар кўрсатди ва Эшонхўжанинг уйига туширди. Шундан бир неча вақт ўтиб, амир Ҳайдар подшоҳ вафот этди ва жаноб қиблагоҳим ҳақида ўғли амир Ҳусайн тўраҳон ҳам ҳаддан зиёд меҳру муҳаббатлар кўргузди. Тўраҳон ҳам бир неча кундан сўнг охират сафарини ихтиёр этиб, оламдан ўтди. Қиблагоҳим Бухоронинг навбатдаги тахти вориси Умархон ибн амир Ҳайдар подшоҳ даврида рухсат тилаб, ота-бобларидан Шаҳрисабзда қолган ва кенагас амирлари ҳар йили ижара ҳаққи учун бирор нима бериб турган меросий мулки илинжида мазкур ерлари томон кетдилар. Дониёл *оталиқ* алар қадамини муборак ва қутлуғ билиб, кўп эҳтиром кўрсатди. Бу хабарни Муҳаммадраҳим *девоубеги* эшитиб, кетма-кет илтимосномалар юбориб, жаноб эшонни Ўратепага таклиф қилди. Ноилож жаноб қиблагоҳим Ўратепага ташриф буюрдилар. Муҳаммадраҳим *девоубеги* улар келаётганидан хабар топиб, Обижомакда истиқболига пешвоз чиқди ва қадамларини улуғ файзу баракат манбаси билиб, меҳмоннавозлик қоидаларини аъло тарзда адо этди. Қиблагоҳим мавзусини шу ерда тўхтатиб, бу воқеанинг қолганларини кейинроқ айтаман, худо хоҳласа.

Ўзбек подшоҳлари ичида амир Ҳайдар подшоҳ каби ҳафсалали ва олим ва бировнинг ҳаққидан ҳазар қилгучи ўлмаган. Чунончи, айтишларича, ҳар куни тўрт юз нафар толиби илм унинг қошида дарс оларкан. Умри муддати қирқдан ўтганда куръони каримни тўла ёд олиб, ҳофизи каломуллоҳ бўлган. Бир неча пири комилдан иршодлик хати олиб, сулук қоидаларини мукаммал босиб ўтганди. Аммо, ўша кезларда хотин олиши ҳам ҳаддан зиёдлик даражасига етганди. Бир куни Қаршида ҳоким бўлиб ўтирган иккинчи ўғли Насруллоҳхон олдига ул вилоят ишларини кўздан кечириш учун борди ва ўша ерда касал бўлиб, Бухоро сари юзланди. Бухоро шаҳрига кириб келгач, касали борган сари оғирлаша бошлади. Масиҳо нафасли табиблар даволаш учун қанчалик уринишмасин, фойда бермади ва 1242/1826-27 йили кўч-кўронини бу дунёдан йиғиштириб, охират сари юзланди. Умри муддати қирқ саккиз ёш ва салтанати йигирма саккиз йил бўлди. Айтмишлар, **қитъа:**

Дунё на маҳалли истиқомат ба кас аст,

¹³⁰² Оллоҳқулихон – Хива хони (1825-1842).

¹³⁰³ Мусо Козим мақбараси – шиаларнинг етинчи имоми Мусо ал-Козим (ваф.799).

¹³⁰⁴ Қўлёзма ҳошиясида Дин Носирхон ҳақида бошқа котиб томонидан ўзбек тилида қуйидагилар ёзилган: 1245/1829-30 йили Истанбулга борди, 1246/1830-31 йили Москуфга борди, 1250/1834-35 йили Питербургда вафот этди, деюр Юнусхон.

¹³⁰⁵ Нақиб – саййидлар ва хожаларга бериладиган фахрий унвон. Нақиблар ўзларини Муҳаммад пайғамбарнинг авлодларидан деб ҳисоблайдиган саййидлар жамоалари раҳбарларининг лавозими. Ҳукмрон доиралар нақиблар орқали саййидлар жамоалари билан муомала қилганлар. Нақиблик лавозими авлоддан- авлодга ўтган. Нақиблар хоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан бўлиб, сафарларда унга ҳамроҳ бўлган. Расмий қабул маросимларда нақиб хоннинг сўл томонида биринчи ўринда ўтирган.

Ақлу хирад ар турост, ин нукта бас аст.
Бар умр чи эътимод к-ин ваҳшии рух,
Мурғест ки риштааш зи тори нафас аст.
[Дунё киши учун ястаниб ётадиган жой эмас,
Агар ақлинг бўлса, шу айтганим сенга бас.
Ҳаётга не ишонч, ахир бу ёввойи рух бир
Қуш ки у боғланган ип нафас торидир].

Ул замонда вазирлик мансабида Ҳаким *қўшбеги* ўтирар эди. Бу даҳшатли воқеадан сўнг *қўшбеги* чуқур ўй гирдобига чўмди ва яширинча равишда Насруллоҳхон олдида учқур чопарларни жўнатиб, уни Бухорога чақиртирди. Амир Ҳайдар подшоҳ вафотининг эртаси куни унинг бу иши хабари бутун шаҳар бўйлаб тарқалди. Мазкур воқеадан амир Ҳусайн тўра воқиф бўлгач, дарҳол арк сари югурди ва барча фуқаро унга қўшилдилар. Бу оммавий балодан Ҳаким *қўшбеги* хабар топиб, арк дарвозасини беркитди ва ўзи улар устига ўку милтиқ отишга машғул бўлди. Ҳаким *қўшбегининг* бу журъатидан амир Ҳусайн тўра хайратга тушиб, фуқаро билан биргаликда арк дарвозаси сари югуришиб, неча бир машаққат ичида ўзларини қалъа ёнидаги пул зарбхонаси панасига олдилар. Юқоридан эса ўқ ва милтиқ сочмалари, тош ва ёғоч ғўлалари ёмғирдек энаётган эди. Ўша тошлардан биттаси амир Ҳусайнга тегиб, боши ёрилди. Аммо қон оққанига қарамай амир бошлиқ халқ дарвозага яқинлашиб бориб, арк дарвозасини синдирдилар ва бир ҳужум билан Аркка кириб олдилар. Амир Ҳусайн Аркка чиқди. Ҳаким *қўшбеги* қаергадир яширинди. Бирор соатдан сўнг эса бекинган жойидан ўзи чиқиб, амир олдида келди ва амирни муборакбоду дуо қила кетди. Амир Ҳусайн тўра унинг гуноҳидан кечди ҳамда Ҳаким *қўшбегини* тагин вазирлик мансабига ўтқазди. Эртаси куни саййидлар, уламо ва амирлар ҳаммаси йиғилиб, амир Ҳусайн тўрани жаҳонбонлик тахтига ўтқаздилар. Амир Ҳусайн салтанат ўриндиғида қарор топгач, ўзига тобе юртларни адолат зийнати билан беади. У жуда ҳам доно ва одил ва қадрга етувчи ва ҳиммати юксак бир подшоҳ эди. Айтишларича, ҳали тўра пайтиёқ кийимларини ўзгартириб, Мовароуннаҳрга қарашли мамлакатларнинг барчасини кезиб чиққан экан. Суҳбатдошларининг кўпи сайёҳлар бўлиб, табиатан қаландар машраб киши бўлган. Тахтга чиққач, кўп ўтмай оғир касалга чалинди. Табиблар даволашга кўп уриндилар, бироқ, фойдаси бўлмади. Ул жаҳон кўрмаган султон ҳаётининг қадах-паймонаси эндигина ўсиб-униб келаётган чоғи тўлиб, турмушининг ҳузур-ҳаловат даврони тугаб ва ёшлик билан хайрлашув фасли етишган экан, неча бир дарду ҳасратда дунёнинг бу тупроқхонасидан ўтди. Салтанати муддати уч ой ва умри муддати ўттиз уч ёш бўлди.

Ўша пайтда амир Ҳайдарнинг учинчи ўғли амир Умархон Кармина¹³⁰⁶ да ҳукумат юргизарди. Бу хабарни эшитгач, дарҳол Бухоро сари отланди ва келиб Аркка чиқди. Эртаси куни Бухоро амирлари йиғилишиб, амир Умархонни салтанат тахтига ўтқаздилар. Умархон кўлидан иш келмайдиган ва ҳимматсиз подшоҳ бўлиб чиқди. Кечаси-ю, кундузи қизил май ичиш билан машғул эди. Доимо гул қоматли ва гўзал юзли маъшуқлар билан суҳбат қурар, аммо, сира ҳам мамлакат ишига боқмас эди. Амирлар қарашса, бу подшоҳ давлат ишларига қарайдиган эмас. Бу борада ҳеч бир чора топа олмай, ноилож, яширин равишда Қаршига амир Насруллоҳхон ёнига чопар юбордилар. Насруллоҳхон қараса, тез орада унга фатҳ эшиклари очилай деб турибди. Шунга кўра катта кўшин билан Бухоро томон йўлга тушди ва бир неча манзилларни босиб ўтиб, Бухоро атрофларига босқин уюштирди. Сўнг ҳазрат султон ал-авлиё хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг – *сирларини Аллоҳ муқаддас тутсин* – мозори ақдасига кўниб, ул жанобнинг қабридан қўллов мададини тилаб, сўнг орқага қайтиб кетиш учун йўл сари юзланди. Ул вақтларда амир Ҳайдар подшоҳнинг синглисидан бўлган жияни нақиблик паноҳи Эшон Тўрахўжа *нақиб* Панжшанба ҳукуматини бошқарар эди. Буни қарангки, айна кезде ул ҳазрат амир Умархонни кўриш учун Бухорога ташриф буюриб, кутилмаганда амир Насруллоҳнинг рўпарасидан чиқиб қолди. Эшонга тасодифдан дуч келган амир Насруллоҳ унинг қадамини қут-баракат манбаси сифатида қутлуғ кўриб, ўзи билан бирга Қаршига олиб кетди. Ҳақиқатдан ҳам унинг қадами қутлуғ келди ва сўнг кўп фатҳлар сабабчиси бўлди. Оғам жаноб Эшон *нақиб*нинг ўз оғзидан ушбуларни эшитган эдим: «Қаршидан то Самарқандгача амир Насруллоҳнинг сафарбарлик ишлари учун ўз чўнтагимдан ўн икки минг тилло харж қилдим. Қолган чиқимларимнинг эса қанчалигини ҳисоблаб кўрмаганман». Бир неча кун ўтгач, амир Насруллоҳ эшон *нақиб* ҳамроҳлигида катта кўшин билан Самарқанд сари йўналди. У чоғда Самарқанд ҳокими Давлат *қўшбегининг* ўғли Муҳаммадсафарбий эди. Эшон *нақиб*нинг келаётганини эшитиб, Самарқанд ва Миёнкол ва Итфол (?) амирлари билан бирга барчаси эшонни иззат билан кутиб олдилар. Улар

¹³⁰⁶ Кармина/ Кармана (асли суғдийча Хармана – катта сарой) — аҳоли яшайдиган қадимий масканлардан бири. Навоий вилоятида жойлашган.

Самарқандга тушгач, эртаси куни амир Насруллоҳни подшоҳликка кўтариб, кўктош¹³⁰⁷ га ўтказдилар. Бир неча кундан сўнг Муҳаммадсафарбекни Олимбий билан бирга Самарқандга қўйиб, ўзлари сон-саноксиз лашкар билан Бухоро томонга йўналдилар. Ўша чоғда Ургут¹³⁰⁸ ҳокими Каттабек *девонбеги* келиб, амир Насруллоҳга қўшилди. Бир неча манзилларни орқада қолдиргач, Бухорога яқинлашдилар.

Умархоннинг ҳеч сабабсиз Кармина томондан Бухоро сари қочгани зикри

Насруллоҳхоннинг келаётгани хабари амир Умархон қулоғига етгач, Бухоро лашкари билан амир Насруллоҳга қарши жангга отланиб, Кармина мавзесига келиб тушди. Насруллоҳхоннинг ул мавзегга яқинлашаётгани аниқ бўлгач, ўша тундаёқ амир Умархон лашкари ўз-ўзидан ваҳимага тушган кўйи тарқалиб, ҳар тарафга қочиб кетди. Ўша ердан амир Ҳайдар подшоҳнинг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи фарзандлари бўлмиш олий зотли подшоҳзодалар Зубайрхон, Ҳамзахон ва Сафдархон амир Умархондан ажралиб, амир Насруллоҳхонга қўшилдилар. Амир Насруллоҳ уларнинг қадамини қутлуғ билиб ва томирида ака-укаликнинг муҳаббат туйғуси кўпириб, уларни ўз марҳамат ва шафқати оғушига олди ва ўз ёнидан жой берди. Сўнг эса амир Умархон лашкарининг парокандаликка юз қўйганини эшитиб, тез суръатларда ғаним қўшинини таъқиб қилган кўйи от чоптирганча Бухорога етиб, қўш ташлади ҳамда қамал ва ҳужум ишига киришди. Ўша аснода «Самарқанд фуқароси бир тожикни хон кўтариб, Муҳаммадсафарбий ва Олимбийни шип-шийдон қилиб талашибди» деган хабар келди. Бу хабарни эшитган амир Насруллоҳ ёнидаги Самарқанд амирларига кетиш учун рухсат берди. Улар ичида азиз акам саййидлик паноҳи эшон ҳожи Мўъминхон шайхулислом¹³⁰⁹ ва қози калон ва бошқалар бор эди.

Амир Умархоннинг Бухоро ҳукуматидан туширилгани зикри

Алқисса, қамал муддати бир кам эллик кун чўзилди. Ниҳоят Бухоро умаросидан Ҳаким қўшбеги, Ражаббек *девонбеги* ва Аёзбий сингари амирлар сўзни бир ерга қўйиб, 1241 йил шаъбон ойининг йигирманчиси, сешанба куни (31 март 1826 йили), тонгда йил алмашинуви пайтидан уч кун олдин¹³¹⁰ шаҳар дарвозасини очдилар. Насруллоҳхон Бухоро ичкарасига кирди. Амир Умархон эса арк тепасида бўлиб, ҳатто, арк дарвозасини беркитишга ҳам мажоли етмади. Насруллоҳхон лашкари югуриб келиб, арк ичига киришди ва амир Умархонни ушладилар. Ўша аснода эшон Тўра хўжа *нақиб* етиб келди ва подшоҳзодаларнинг устоздалари эшон Муҳаммадшарифхўжа ибн эшон Шайхулислом ҳам дарҳол етиб келиб, амир Умархоннинг ажали етмаган экан ва умридан бир неча куни қолган экан, эшонлар яшаб қолишига сабабчи бўлишиб, амир Умархонни ўлимдан қутқариб қолдилар. Йўқса, ўша вақтда тўраларни ўлдиришга ўрганиб қолган ўзбеклар амирни ўртага олиб туришган эди. Эшон Муҳаммадшарифхўжа ўз отининг орқасига ўтқазиб, олиб чиқаётган пайти ўғри ўзбеклардан биттаси амирнинг боши сари қўл чўзиб, Умархоннинг бошидан бош кийимини юлқиб, ўғирлаб қочди. Ҳа, кули кўкка соврулсин бу ҳаётнинг, бор-йўғи шу! Тонгда подшоҳликнинг мурассаъ тожи бошида эди, чоштгоҳ маҳали эса боши яланг ва бадани яланғоч қолди. Чунончи, амир Алишер Навоий ҳазратлари айтмишлар, **байт:**

Оташин лаъле ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан бар сар аст.
[Подшоҳлар тожини безаб турган оловдек лаъл,
Аслида уларнинг хом аклини пиширувчи чўғдир].

Оғам мавлоно Ҳозиқ шу қасидадан тазмин қилган бўлиб, ўшандан бир байти ушбудир, **байт:**

Подшоҳонро кужо бар афсар заррин пар аст,
Зи оташи савдоии ҳирси жоҳ дуде бар сар аст.
[Подшоҳлар бошидаги қарқара заррин пар эмас,
Мансаб васвасаси оташидан чиққан бир дуддир].

Бухоро халқи бу ҳолни кўргач, бариси зор-зор йиғлашга тушдилар. Эшон Муҳаммадшарифхўжа ўзининг дока салласини олиб, подшоҳлик бош кийими ўрнига фақирлик

¹³⁰⁷ Кўктош – Бибихоним мадрасаси саҳнидаги кўк мрамрдан ясалган маҳобатли тахт. Ҳозир ҳам мавжуд.

¹³⁰⁸ Ургут – бугунги Ургут, Самарқанддан 30 км. узоқликда жойлашган шаҳар, туман маркази.

¹³⁰⁹ Шайхулислом – давлатда мусулмон жамоасининг бошлиғи. Саййид ва хўжалардан тайинланган.

¹³¹⁰ Шу йили янги йил 1826 йил 11 январда кирган. Муаллиф адашаётган бўлиши мумкин.

кулоҳини ул амир бошига ўради. Чунончи, азиз тоғам амир Умархон Хўқандий ўз шеърида шундай буюрмишлар, **назм:**

Подшоҳларға муносиб тож ила авранг¹³¹¹ эрур,
Йўхса¹³¹² билмиш ҳар гадо эски кулаҳ бош узра тож.

Эшон Муҳаммадшарифхўжа ул подшоҳни неча бир қийинчилик ва машаққат билан ул ҳалокат қўйнидан қутқаргач, эшон Тўра хўжа *нақибнинг* уйига олиб борди. Уч кун ул ерда турди. Шатранж ўйнашдан ўзга иши бўлмади. Бу байтни Мукаррабий битган, **байт:**

Зи даври чарх ором нест мўътабаронро,
Ки дар қаламрави шатранж «кишт» бар сари шоҳат.
[Чарх айланишидан улуғларга ҳеч бир тинчлик йўк,
Шатранж сарзаминида шоҳнинг бошига келар «кишт»].

Уч кундан сўнг бир нечта туркманга қўшиб, вилоятдан чиқариб юбордилар ва ул подшоҳ тахту тожни неча бир ҳасратда тарк этиб, Туйғун номли битта ғуломи билан Хуросон сари юзланди. Неча бир қийинчиликда Ҳирот¹³¹³ вилоятига етиб олди. Ул вилоятда Маҳмудшоҳ афғон ҳукмдор бўлиб, амир Умархон Бухорийнинг келаётганини эшитиб, уни кутиб олиш учун ўз амирларини жўнатди. Амирлар уни иззат-ҳурмат билан шаҳарга олиб кирдилар ва афғон шоҳи турк подшоҳини бағрига босиб, кўп шафқату марҳаматлар кўргузди ва муносиб бир уйга туширди. Бир неча кун йўл чарчоқларини ёзди ва сўнг у ердан Қундуз шаҳрига қараб кетди. Муҳаммадмуродбек қатаган Бухоронинг собиқ амири келганидан хабар топиб, истиқболига ўзи чиқди ва ўз уйига туширди. Бир неча кун мобайнида шойиста хизматлар кўрсатди. Амир Умархон у ердан йўналиш жоловини Бадахшон тарафга бурди ва у ердан эса Дарвоз ва Қоратегин йўли орқали Фарғона вилоятига етиб олди. Муҳаммадалихон ғози амир Умархоннинг келаётганидан хабар топди, бироқ, ҳеч нарса демай ўтираверди. Шунда жаноб саййидлик паноҳи эшон Тўра хўжаи *калон хўжа* ва жаноб саййидлик паноҳи эшон Султонхон хўжаи *хўжа калон*¹³¹⁴ ҳар икки азиз Муҳаммадалихон олдига бориб «Нима қилса ҳам, ҳарқалай, Бухоро подшоси ахир. Фалакнинг гардиши билан Сизнинг олдингизга келиб қолибди. Унга иззат-ҳурмат кўрсатиш Сиз учун вожибдир», дейишди. Ул икки бузруквор бу сўзларни айтгачгина, ноилож, укаси, яъни кўзларим нури Султон Маҳмудхонни кутиб олишга юборди. Биродарим Султон Маҳмудхон меҳмонни кутиб олиб, замонанинг такаббури бўлмиш акаси олдига бошлаб келди. Ул нопок эса бармоқ учлари билангина қўл чўзиб кўришди ва яшаш учун жой тайин қилди. Меҳмон бир неча кун йўл азобларидан фориғ бўлиб, дам олди. Шундан кўп ўтмай амир Ҳайдар подшоҳнинг амакиси Маҳмудбий ибн Дониёл *оталиқ* валинаъмининг иффат пардаси ортида ўтирган қизини ўз никоҳига киритди ва ҳеч нарса билан иши бўлмай Хўқанд кўчаларида кезиб юришни одат қилиб олди. Бу подшоҳзоданинг ҳолидан хабар оладиган бирор кимса топилмасди. Сана 1244/1828-29 йили оммавий вабо балоси ёпирилиб, ул жаҳон кўрмаган подшоҳзодани ҳам айни ёшлик чоғи минг гулидан бир гули очилмай туриб, ажалнинг бу учқур шамоли сўлдирди. Бу ёлғончи оламдан қайтиш пайти ушбу мисра тилидан жорий бўлган экан, **мисраъ:**

Ҳавойи ёру диёрам чу бигзарад ба хаёл,
Шавад манозилам аз оби дида моло-мол.
[Ёрим ва диёрим ҳаваси хаёлимдан ўтганда,
Ўтирган ерим кўз ёшидан денгиз бўлади].

Подшоҳлик муддати Бухорода уч ой бўлди ва уч ярим йил ватандан жудолик ва саргардонликда юриб, йигирма икки ёшида вафот этди. Наъшини Бухорога юборишди ва ҳазрат қутб ал-ақтоб жаноб Хўжаи нақшбанд – *гўри нурга тўлсин* – мозорида дафн қилдилар. Чунончи донишмандлар айтмиш:

Дар ин дақиқа бимонданд жумлаи ҳукамо,
Ки одами чи кунад бо қазойи кунфаякун.
Усули фаръ чу шуд мунҳариф зи жунбиши асл,
Ба лойи ажз фурў рафт пойи Афлотун.
Салоҳи табъ чу сўйи фасод рў ниҳод,
Бимонд беҳуда дар дасти Бў Али «Қонун».
[Бу онда табибларнинг қўлидан иш келмай қолди,
«Кунфаякун» қазосига инсон зоти нима қила оларди.
Ҳақ иши ларзасидан қонун-қоидалар издан чиқди,

¹³¹¹ Авранг – тахт.

¹³¹² Йўхса – йўкса.

¹³¹³ Ҳирот вилояти – Ҳирирўд дарёси ёқасида жойлашган шаҳар. Ҳирот вилоятининг маркази.

¹³¹⁴ Хўжа калон – катта хўжа. Хўжалар вақфи ва мулкларини назорат этувчи амалдор. Саййид ва хўжалардан тайинланарди.

Афлотуннинг оёғи ожизлик лойига ботди.
Таъб соғлиги бузилиш сари юзлангач,
Сино қўлида «Қонун» фойдасиз бўлиб қолди].

Алқисса, Насруллоҳхон Бухорога кирди. Ҳаким *қўшбеги* уни қаршилаб, олдиға пешвоз чиқди ва аркка чиқарди. Ўша куниси амирлардан Исматуллоҳбий ва Тавқихон қазоқ қатлга етдилар. Яна бир неча киши ҳам улар кетидан охиратга равона бўлишди. Эртаси куни саййидлар, уламо ва умаро йиғилишиб, Насруллоҳхонни салтанат тахтига ўтқаздилар. У вилоятни қувват қўли остиға олишға киришди. Уч ака-ука Зубайрхон, Ҳамзахон ва Сафдархонни Наразим¹³¹⁵ ҳукуматиға тайинлади. Ул олий насабли шоҳзодалар ул вилоятда ватан тутиб, ҳукм юргизиш ишлари билан банд бўлиб турганларида, амир Насруллоҳхон Ғозибек *мирохур* қалмоққа уларни ўлдиришни буюрди. Ул уч шаҳзода шаҳриёрлик гулистонидаги ҳали тузуккина очилиб улгурмаган гулғунча эдилар. Бу салтанат жавоҳирлари юзида ҳали сабза чизиқ кўриниш бермаган бир ойдин дур ва гўзаллик ва латофат боғида ўсиб, ким кўрса ҳусниға мубтало бўлгучи бир тоза ниҳол бўлиб, юборилган жаллодлар ўн етти нафар эркагу хотин мулозимлари билан бирға ул бегуноҳ шоҳзодаларнинг нозанин бўйинларига пичоқ тортиб, шаҳидлик шарбатини ичирдилар. Бу воқеадан фалак этаги қонға тўла шафакни қипкизил алвон қилиб, юзига тортди ва осмон юлдузларни ерга отиб, ҳасратли кўз ёшларини оқизгандай бўлди. **Мисраъ:** Оре, оре ҳар баҳореро хазоне дар пай аст (Ҳа, ҳар баҳор кетидан куз келади); Ахир демишлар, **Байт:**

Дареғу дод ки он хусравон ҳалок шуданд,
Ба теғи марғи жигари реш синачок шуданд.
[Афсусу додким, ул хусравлар бўлишди ҳалок,
Жигар ўртар ўлим қиличидан сийналари чок].

Дониёл девонбегининг Чироқчини қўлга киритгани зикри

Амир Насруллоҳ Бухоро қамали билан машғул бўлиб турган бир пайтда Дониёл *девонбеги* Шаҳрисабздан отланиб, манқит ото-боболарининг гўрхонаси жойлашган, жумладан, боболари Худоёр *оталиқ* дафн этилган Чироқчи¹³¹⁶ қалъасини қамал қилди. Бироқ, қамал муддати чўзилиб кетавергач, қаттиқ бир ҳамлалар қилишға киришиб, ниҳоят, кучли бир ҳужум билан қалъани қўлга киритди ва ул ернинг ҳокими Ҳаким *додхоҳ* манқитни ҳам қўлга туширдилар. Дониёл *девонбеги* унга тегмади, аксинча, иззатлар кўргузиб, олий сарупо инъом қилди ва кетиши учун руҳсат берди. Бошқа амалдорларнинг кўпини эса талон-торож қилишди. Дониёл *девонбеги* фатҳу ғалаба билан дилкаш Каш томон қайтиб кетди.

Амир Насруллоҳнинг Чироқчи устиға лашкар тортгани зикри

Шундан сўнг амир Насруллоҳ мазкур қалъани кенагаслар қўлидан қайтариб олишни кўнглиға тугиб, катта қўшин билан Шаҳрисабз томон йўналди. Бу хабарни эшитган Дониёл *девонбеги* Шаҳрисабз лашкари билан отланиб, Шаҳрисабз ва Чироқчи оралиғидаги майдонға қўш ташлади ва Деҳиякнинг ҳокими бўлмиш ҳамда шижоат ва ботирликда замонасининг яғонаси саналмиш укаси Фозилбийға Чироқчи қалъаси ичига кириб, амир Насруллоҳға муносиб жавоб қайтаришини буюрди. Ул шерюрак мир акасининг сўзини қабул қилиб, қалъаға кирди ва қалъани мустаҳкамлаш юмушларини кўнгилдагидек амалға оширган кўйи урушни кутиб ўтирди. Амир Насруллоҳ улар устиға келгач, Фозилбий қалъадан чиқиб, шундай уруш солдики, баҳодирлар қонидан майдон тупроғи лоларанг бўлди. **Қитъа:**

Ту гуфти ки шўри қиёмат дамид,
Замин пора шуду осмон дарид.
Биларзид кўҳу бижунбид дашт,
Ғирев аз нухум осмон даргузашт.
[Кўрсанг дердинг: қиёмат қўпди, чун,
Ер тарс ёрилиб, осмон кўкси тешилди.
Тоққа тушди титроқ, дашт қимирлади,
Ошди тўққизинчи фалакдан шовқин].

¹³¹⁵ Наразим – Бухоро туманларидан бири.

¹³¹⁶ Чироқчи – Қашқадарё вилоятидаги шаҳар, туман маркази.

Уч кун жанг шу зайл қизигандан-қизиб борди. Амир Насруллоҳ қараса ғалабага осонликча етишиб бўладиган эмас. Ниҳоят, ўртага яраш ва сулҳ сўзи солиниб, икки орада доно элчилар алмашиш орқали ушбу шарт битим учун таклиф қилинди: Дониёл *девонбеги оталиқ* мансабига эришади ва Фозилбий давлатдаги *додхоҳлик* мансабини олади. Чироқчи қалъасини эса бузиб ташлаб, бу туман ҳокимлиги ва барча қиримлари Дониёл *девонбеги* кўлида қарор топади. Бу шарт ҳар икки томонга маъқул тушди ва шу борадаги битимга эришилиб, ҳар ким ўз юрти пойтахти сари йўл олдилар. Амир Насруллоҳ бироз вақт йўл чарчоқларини чиқариб, дам олгач, давлат ишлари билан машғул бўлди. 1243/1827-28 йили жаноб саййидлик паноҳи эшон Султонхон (Адо)ни амир Насруллоҳ Муҳаммадалихондан тилаб олиб, Бухоро шайхулисломни амали билан бошини кўкка кўтарди.

Муҳаммадраҳим девонбеги давлатининг инқироzi бошланиши зикри

1244/1828-29 йили Муҳаммадраҳим *девонбеги* Ўратепадан Бухорога ташриф буюрди. Амир Насруллоҳ унинг келишини улуғ файзу барака билиб, Ҳаким *қўшбегининг* уйига туширди. Ўша кундан беш кун бурун фақир ҳаждан келиб, қиблагоҳим саййидлик паноҳи эшон Султонхон уйига тушган эдим. Шунинг эртасига Аркка чиқиб, амир Насруллоҳ билан учрашдим. Амир фақирга меҳрибонликлар кўргузди. Ўшанда амир Насруллоҳ Муҳаммадраҳим *девонбегига* йигирма кундан сўнг Жиззах вилоятини бўшатиб бериш, бунинг эвазига эса қачон хўқандликлар Муҳаммадраҳим *девонбеги* устига бостириб келишса, амир Насруллоҳ ёрдам кўрсатажаги шарти билан уйига қайтиб кетишга рухсат берганди. Шунга кўра, подшоҳзодаларни ўлдирган Ғозибек *мироҳур* қалмоқни Муҳаммадраҳим *девонбегига* кўшиб юборадиган бўлди. Муҳаммадраҳим *девонбеги* мени ҳоли жонимга кўймай, амир Насруллоҳ олдига рухсат сўраш учун воситачи сифатида юбориб, ана шундай (Ўратепага қайтиш) ижозатини кўлга киритганди. Айни ўша вақтда ҳазрат қиблагоҳ отам Шаҳрисабздан Ўратепага боргандилар. Шу сабабли эшон жанобларини зиёрат қилишим лозим бўлиб, мен ҳам Муҳаммадраҳим *девонбеги* билан Ўратепага қараб кетдим. Анча йўлларни ортда қолдириб, Самарқандга келиб тушдик. У пайтда Самарқанд ҳокими Мўъминбий *додхоҳ* бўлиб, жуда олий меҳмондорчиликлар кўргузди. Самарқанддан чиқиб, Янгиқўрғон сари юзландик ва у ерга етиб, кечаси шу қалъада тунаб қолдик. Эртаси куни Янгиқўрғондан отланиб, Жиззах сари кетдик. Йўл бўйи ҳар борада сўзлашиб бордик. Муҳаммадраҳим *девонбеги* менга қараб, «Сиз эшонлар бу атрофдаги барча ўзбеклар пирисиз. Аммо, Муҳаммадалихон мода сиз жанобларига оламда қанча зиёнкорликлар бўлса қилди, ҳеч камини қолдирмади. Аслида-ку, ҳеч кимса пайғамбар авлодларига бундай зулмни раво кўрмайди. Агар кўли етса бизларга ҳам ана шундай ёмонликлар қилиши аниқ. Шу кунларда, эшитишимча, диндан қайтиб, ўзининг ўғай онаси билан зино қилиб юрганмиш. Бир дуои бад қилсангиз нима бўлибти, кофир хитойлар келса-ю, Хўқанд халқини вайрон қилиб кетса. Сиз билан биз эса уларни кучоқ очиб кутиб олиб, хўқандлик аёлларни тутиб, хитойликлар кўлига топширсак ва ўшанда юрагимиз ҳоври сал пасайиб, дилимиз таскин топарди», деди. Фақир бунга жавобан: – Бу сўзларингиздан қайтинг ва бундай ниятни кўнглингиздан чиқариб ташланг, бу гапларда хосият йўқ. Чунки, авваламбор, Сиз билан биз Муҳаммадалихон модадан зулм кўрган аламзада одамлармиз ва унинг ҳаққида нима десак, деяверамиз. Бу аниқ. Бироқ бундай шикоятomez гаплар ожизлик аломати бўлиб, уни ошкоро айтиш, бизнинг шаънимизга ярашмайди, обрўйимизни қочиради. Бошқалар нима деса дейишаверсин, нима ишимиз бор. Қолаверса, ўғай онаси билан зино қилиб юргани ҳам ҳали аниқ эмас. Узоқ-йироқдан ва ҳар хил миш-миш оғиздан эшитганимиз асосида шариф шариат ҳукми номидан бирон нарса дея олмаймиз. Яна шуки, зулмни битта ўзи қилган, бошқаларнинг бунда айби йўқ. Шундай экан, биз қандай қилиб барча мусулмонларни унга кўшиб дуои бад қилиб, қарғай оламиз? – дедим. Муҳаммадраҳим *девонбеги* бу сўзларим қаршисида: – Ишқилиб, хизматингизда тирик турсак, кўрамиз ҳали яна қанақа ишлар қилишини, – деди ва Мирзо Бедилнинг ушбу мухаммасини ўқиди. **Муҳаммас** будир:

Шод бошед эй жавонмардони намакин, обранг,
Дар сафоии нашъа авқот маписандид ранг.
Гардиши аҳволи номардон намехоҳад даранг,
Зуд барҳам меҳўрад ин нашъаи осори банг.
Қартиён то кай баҳодир, занжалаб то чанд шоҳ.
[Қувонинг, эй оқ-зангор – терлаган ёш эранлар,
Нашъа ила вақт ўтказиб қилманг сўнг сиз аттанглар,
Номардлар аҳволин сира ҳам ҳавас қилманглар,
Банг нашъаси хуморин ахир тез ўтмас деманглар.

Қачонгача қўшмачи баҳодир, занғар тоқайгача шоҳ].

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам мана ул амирлик паноҳининг айтганларини кўзимиз билан кўрдик, нима ишлар бўлиб кетди-я.

Хуллас, Жиззахга яқинлашдик, аммо, ҳеч ким бизни кутиб олишга чиқмагани. Демак, бу ерда бир гап бор. Шунинг англасак-да, шаҳарга кириб бордик. Беш-олти нафар *махрамдан* ташқари вилоят улуғларидан ҳеч бир киши олдимизга келмади. Ўзимиз Муҳаммадраҳим *девонбеги* ўрдасига ёнимиздаги Ғозибек *мирохур* билан бирга бориб тушдик. Муҳаммадраҳим *девонбеги* қирқ ва юз¹³¹⁷ улуғларига қанчалик одам юбориб, ҳузурига чақирмасин, ҳеч ким келмади. Эртаси куни юз ва қирқ каттаконларининг барчаси жамъ бўлишиб, Муҳаммадраҳим *девонбеги*га, «агар бизнинг миримиз бўлишни истасангиз, амир Насруллоҳнинг элчисини қайтариб юборинг, биз юртимизни ҳеч қачон душманга бермаймиз. Агар гапимизни қабул тутмасангиз, ихтиёрингиз», дейишди. Муҳаммадраҳим *девонбеги* «мен Бухорода, амирлар ҳузурда Жиззахни бўшатиб бераман, дея сўз берганман. Энди ўша аҳдимга вафо қилмоқчиман», деди. Улар эса «Ҳар қалай, илгари ихтиёр сизнинг қўлингизда бўлгани учун бундай ваъда беришингизнинг айби йўқ эди ва узрли саналарди. Аммо, ушбу онларда ихтиёр жиловни Сизнинг қўлингиздан бутунлай чиққан ва бу, демак, мазкур ваъдангизнинг бугунги кунга ҳеч қандай алоқаси қолмаган. Яъни, эндиликда Сиз ҳеч кимнинг олдида ёлғончи ёки вафосиз бўлиб чиқмайсиз, бунисидан ташвиш тортманг», дейишди. Ҳа, ахир демишлар, **байт:**

Мўрчагон гар бикунанд иттифоқ,

Шери жиёро бар оранд зи пўст.

[Бош чиқарса бир ёқадан чумолилар,

Йиртқич шернинг терисин шилишар].

Муҳаммадраҳим *девонбеги* қараса, иш қўлдан чиқадиган. Ноилож қабул бармоғини кўзи устига босди ва Ғозибек *мирохур*ни улар билан биргаликда орқасига қайтариб, хайри маъзур айтишга мажбур бўлди. Эртасига оғам Иброҳимбий ва укаси Дарвешбек ва Ниёзқулини олти юз (?) нафар киши¹³¹⁸ билан менга қўшди ва фақир ул амирлик паноҳлари билан бирга рухсат олиб, Ўратепа сари юзландик. Ўша тун ошиқларнинг айрилиқ оқшомидан ҳам узунроқ ва маҳвашлар сочидан ҳам қорароқ бир кеча бўлиб, неча бир машаққат билан тонг отар маҳал Зомин қалъасига етиб олдик. Бирор соат ўша ерда дам олиб, у ердан Ём қалъаси сари йўл солдик. Ёмга етиб келиб, эндигина нафасимизни ростлаб ўтирган эдик, шу орада битта киши келиб, қулоғимга «тез бўлинг, отингизга мининг, иш чаток», деди. Бу сўзларни эшитган захоти бирор сония ҳаялламаздан чакқонлик билан ўрнимиздан тура солиб, отларга миниб олдик ва ташқари сари интилдик. Қарасак, одамлар орасида ғала-ғовур кўтарилиб, «ушла-тут» сўзлари янграб, дарвозаларни ҳам беркитишмоқда. Бир амаллаб неча бир қийинчиликда қалъадан ташқари чиқиб олдим. Иброҳимбий ва Дарвешбек ва Ниёзқулибек барча оға-инилар ташқарида яна бир жойга тўпланиб, маслаҳатга тушдик. Аслида гап бундай бўлган экан: ўша зим-зиё тунда Муҳаммадалихон мода нима ҳам бўлибди-ю, нечукдир кўнглини ўйинчи каптарлари меҳру муҳаббатидан узиб ва кесакдан ўт чиқиб, вилоятни эгасидан холи кўрганча Фарғона лашкари билан илғор солган кўйи Ўратепа сари чопиб, қалъани қўлга киритибди. Шу сабабли буни эшитиб улгурган бу ерлик фуқаро орасида ола-тасир бўлаётган экан. Иброҳимбий, Дарвешбек ва Ниёзқули *тўқсоба* Зомин тарафга кетишди. Фақир Жиззах сари қайтдим. Тун ярмидан оққанда Муҳаммадраҳим *девонбеги* олдида қайтиб келсак, Муҳаммадраҳим *девонбеги*ни мансабидан тушириб, ўрнига бошқа одамни келтириб тиклашибди. Мени кўриб, йиғлашга тушди ва маъюслик изҳор этди. Унга тасалли бердим. Эртаси куни рухсат тилаб, Самарқанд сари юзландим ва Оқтепа мавзесига етишдим. Қарасам, Мўъминбий *додхоҳ* ва Ғозибек *мирохур* Самарқанд лашкари билан шу ерда экан. Мени қўйиб юбормай, ўша оқшоми роса меҳмон қилишди. Эртасига Самарқандга кириб бордим. У ердан Бухорога қараб кетдим. Шаҳарга етиб келиб, қиблагоҳим эшон Султонхон ҳузурда турган эдим, амир Насруллоҳ ўртага Ҳаким *қўшбегини* қўйиб, мени давлат хизматига таклиф қилди, аммо, фақир фақирлик мақомидаги жавобни бердим ва мулло Муҳаммадшариф мадрасасидан бир хужра олиб, ўқишга машғул бўлдим. Ўша вақтда Муҳаммадраҳим *девонбеги* Бухорога келишни

¹³¹⁷ Қирқ ва юз – ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири. Тарқоқ ҳолда Самарқанд атрофида, Панжикентнинг жанубида, ҳозирги Ғаллаорол, Жиззах, Зомин ва Ўратепа ҳудудларида яшаганлар. Қирқ уруғи кўпинча юзлар билан аралашган ҳолда яшаганлар. Шунинг учун ҳам кўпгина манбаларда “қирқ юз” номи билан ҳам маълум. Қирқ, юз ва минг қабилалари марқа деган умумий ном билан аталган. Қирқларнинг этногенези Дашти Қипчоқ ўзбеклари билан боғлиқ. Қирқлар ўтмишда бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари: оқ-қўйли, қора-қўйли, қора-сирок, қорача, олмаса-ун, чапарашли ва б. Улар XX асрнинг бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, чорвачилик билан, бир қисми тоғ ён бағрида, адирларда яшаб, лалмикор ва суғорма деҳқончилик билан шуғулланишган.

¹³¹⁸ Қўлёмзада “шаш сад” (олти юз) дейилган, бироқ мазкур вазиятга кўра, афтидан, кузатувчилар сони оз кишини ташкил қилган.

ихтиёр этганида ўрнига ўзининг гаранг фарзанди Бобо *додхоҳ*ни ва Муҳаммадалихон модадан кўнгли қолиб келган оғам Исҳоқ *девонбеги* ибн Маҳмудбийлар Ўратепага кўйган эди. Фарғона лашкари шаҳарга киргач, анча қирғин-барот жанглари бўлди ва кўп одамнинг қони тўкилиб, ёстиғи қуриди. Бобо *додхоҳ* ва Исҳоқ *девонбеги* Муғ аркида мудофаа учун қамалиб, ўқ ва тўфанг отишга машғул бўлдилар. Ахийри саккиз кундан сўнг ўртада аҳду-паймон қилиниб, Муғ қалъасини ташлаган кўйилар ҳам соғ-омон Жиззахга келишди.

Ўша кезде жаноб қиблагоҳим шаҳар ичида эканлар. Одамларнинг шовқин-сурони кўтарилавергач ва Фарғона лашкарининг қалъага бостириб келгани хабари тарқалгач, оғам Исҳоқ *девонбеги* қанчалик саҳар пайти қиблагоҳим олдига бориб, «жаноб эшон, Муғ аркига кирайлик», деб ёлворишига қарамай, кулоқ осмабдилар. Исҳоқ *девонбегига* кетишга рухсат бериб, ўзлари қимирламай ўтираверибдилар. Хўқанд лашкари эшон яшаётган уйнинг ён-атрофини гир ўраб олгач, бу хабар Муҳаммадалихон мода кулоғига етишиб, Умар Саъд ва Шимри зи-л-жуюш¹³¹⁹ ҳиди келиб турган бир нечта *надим*га жаноб эшонни такроран юртдан чиқариб юборишлари борасида фармон берибди. Туркий халқнинг бир мақоли бор: Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ; Қиблагоҳим битта садоқатли маҳрами билан бу хонадоннинг муридларидан бўлмиш бир нечта қозоқларни ёнига олиб, Тошканд сари юзланибди. У ердан эса Ўрус юртига қараб кетибди ва ул мамлакатдан яна такроран Урганжга ташриф буюрибдилар. У ердан Бухорога келдилар. Жаноб қиблагоҳим келганидан хабар топган амир Насруллоҳ ўзининг бир нечта *надим*ларини истикбол учун чиқарди. Катта ҳурмат билан жаноб Султонхоннинг уйига тушириб, эртаси куни ўзи кўришга келди ва иззат-икромлар кўрсатди. Такаллуф билан меҳрибонликлар адо қилди. Жаноб қиблагоҳим шунда ушбу байтни ўқиб, Шаҳрисабзга кетиш учун рухсат сўрадилар. **Байт:**

Нагаштам дар жавони ҳалқазани дари ҳеч доно, шайх,
Қадди ҳам гаштаро акнун чи созам ҳалқаи дарҳо.
[Ёшлигимда ҳеч бир доно ва шайх эшигини қоқмадим,
Белим букилганда нима қиламан энди эшик тақиллатиб].

Амир Насруллоҳ қараса, эшон Бухорода қоладиган эмас, ноилож, чексиз меҳрибонликлар кўрсатиб, кетишларига жавоб берди. Бу саргузаштларни агар умр вафо қилса, иншоаллоҳи таоло кейинроқ батафсил баён этарамиз.

Муҳаммадраҳим *девонбеги* Жиззахда қарор топган ўша 1244/1828-29 йили амир Насруллоҳ Самарқанд сари юзланиб, Тўрткўл¹³²⁰ мавзесида қўш ташлади. Шаҳрисабздан эса тоғам Хўжақулибий ўз амирлари билан келиб, амир ҳузурини топди ва сўнг Самарқандга кетди. Амир Хўжақулибийга Самарқанд сари рухсат бергач, ўзи Бухоро томонга қайтди. Чунки ўша вақтда бутун Мовароуннаҳр бўйлаб ялпи юқумли вабо касали тарқалган эди. **Байт:**

Ажалро саросемаги бештар,
Гар сўйи кадомин равад пештар.
[Ажал қолган эди ҳовлиқиб: қай бирин
Олдига бориб, жонин олай деб эртароқ].

Чунончи, ўша замон улуғларидан Абулқосим *додхоҳ* юз ибн Фозилбий валинаъми ва амир Ҳайдар подшоҳнинг аммаваччаси Эшон Хўжа ва амир Насруллоҳнинг табиби ушбу шеърда, **Мисраъ:** Марг аввал дар жаҳон кори табибон мекунад (Ажал ер юзида дастлаб табиблар ишига киришади), дейилганидек, сафар ойида фоний дунё билан хайрлашиб, охират сари юз тутдилар.

Кажрафтор фалакнинг Муҳаммадраҳим девонбеги бошига ўйинлар солгани

Беш ойдан сўнг Муҳаммадраҳим *девонбегининг* Урметан¹³²¹ қалъасида ҳоким бўлиб турган ўғай укаси Муҳаммадсодиқбек акасига қарши муҳолифат ноғорасини чалишга киришди. Буни эшитиб, Жиззах лашкари билан укаси устига келди ва ҳар икки томондан қаҳри қаттиқ баҳодирлар ўлдир-ўлдир бозорини чунонам қиздирдиларки, олди-сотди ишига бир нафас йўл бермасдилар. Ажал харидори кекса-ю, ёшнинг баҳосини бир нархга уриб олар ва ҳеч бирига муҳлат бермас эди. Чунончи демишлар, **байт:**

Чунон оташи маргро бар афрўхт,

¹³¹⁹ Умар Саъд ва Шимр – Имом Ҳусайн ибн Али ибн Аби Толибнинг Карбало даштида ёнидаги етмиш икки нафар яқинлари билан бирга умавийлар халифаси Язид (680-683) буйруғига биноан ҳижрий 61 йил 10 муҳаррам ойида (680 йили 10 октябр) ҳалок этилиши ва имомнинг бошини қилич билан кесган воқеа иштирокчилари назарда тутилмоқда. Қаранг: Шимр.

¹³²⁰ Тўрткўл – Бухоро ва Самарқанд орасидаги манзил бўлган.

¹³²¹ Урметан – Зарфшон водийсининг юқори қисмида, Самарқанддан 150 км. масофада жойлашган қишлоқ.

Ки пиру жавонро ба як дам бисўхт.
[Ўлим оловин шундай алангалатдики,
Ёшу қарини бир ловуллагандаёқ куйдирди].

Саккиз кун давомида қамал ва уруш ишига машғул бўлдилар. Ниҳоят, ўртага сулҳ сўзи солинди. Муҳаммадраҳим *девонбеги* укаси Муҳаммадсодикни ўз олдига чорлади ва уни қамокқа олиб, Урметан қалъасини қўлга киритди. Ҳибсга олинган укасини ўзининг ишончли кишиларига қўшиб, Жиззахга жўнатди. Ўзи эса хотиржамлик билан қалъани тузатиш ишларига киришди. Аммо, у бу айланувчи эски гумбазнинг ҳали инсон зотининг тушида ҳам кўрмаган не-не ўйинлари борлигини хаёлига ҳам келтирмади. Гапнинг қисқаси шуки, Муҳаммадсодикбек Муҳаммадраҳим *девонбеги* хузуридан чиққач, ёнидаги посбонларга катта ваъдалар бериб, уларни шу алдов билан ўзига иттифоқчи қилди. Жиззах қалъасига етиб келганларидан сўнг «замон-замон Муҳаммадсодикнинг замонидир», дея жар солдирдилар. Бу жарни эшитиб, воқеанинг аслини билмаган оғам Исҳоқхон *девонбеги* хайратга тушди. Муҳаммадсодикбек тўсатдан Муҳаммадраҳим *девонбегининг* ўрдасига кирди ва бир неча йиллик хазинанинг ҳаммасини қўлга олиб, вилоят келини саналмиш Жиззах шаҳрини ўз бағрига босди ва амирлик ўриндиғига ўтирди. Муҳаммадраҳим *девонбегининг* ўз замонасининг энг жасур мирбаччаларидан ҳисобланган ўғли Бобо *додхоҳ* бу воқеа юзага келгач, оёқ яланг, бош очик ҳолда ўзини қалъа деворидан ташлаб, қай гўрдан бир эгарсиз от топиб, не-не қийинчилик ва машаққат билан Янгиқўрғонга етиб олди.

Муҳаммадраҳим *девонбеги* укасини Жиззахга юборгач, ўзи уч-тўрт кун туриб, Фалғар вилояти ишларини битказди ва ўз томонидан ноиб қилиб Урметан қалъасида Мир Муҳаммад *тўқсоба* ва Бердиёрни қўйган қўйи Жиззах қалъаси сари йўналди. Анча йўл босгач, вилоят яқинига етди. Ўша ерда бир тегирмон бўлиб, тегирмон эгаси мирни кўргач салом берди ва «мир қаерга бормоқдалар?» дея сўради. Муҳаммадраҳим *девонбеги* «давлатхонага», деди. Тегирмончи эса «ахир ғаддор фалак қандай ўйин кўрсатганини эшитмадингизми? Ҳозир Жиззах қалъаси бошқалар учун давлатхонага айланиб, мир жаноблари учун ғурбатхонага дўнган». Муҳаммадраҳим *девонбеги* тегирмончидан бу сўзларни эшитгач, хайрат бармоғини тишлаб қолди. Тегирмончи унга бўлиб ўтган воқеани бир-бир хикоя қилиб бергач, Муҳаммадраҳим *девонбеги* дардга тўла дилидан ҳасрат оҳини чекди ва ушбу туркий байтни айтди, **байт:**

Тақдир иши тадбир ила ўзга бўлурми,
Тошни хати ёмғур суви бирлан йитилурми?

Афсус-надомат қўлларини бир-бирига ишқаб, неча бир дарду ҳасратда мулку мол ва фарзанду аёлидан дил узди. Янгиқўрғон томонга йўл солиб, отасига нолайиқ ўғлини ўша ердан топди. Ўзи ёнида олиб келаётган ҳарбий қурол-яроқни унга бериб, неча мулозимларини ҳам шу ўғлига қўшди ва Урметан қалъасига жўнатди. Ўзи эса Бухорога қараб йўл олди. Ул содда бечора бола отасидан кетишга руҳсат олгач, бир кун йўл юриб, роса чарчади ва кўзини уйқу элитди. Йўлни кўриқлаш учун Панжакент¹³²² қалъасидан чиққан бухоролик сипоҳилар вазифа юзасидан айнан шу ерларга етиб келган бўлиб, тасодифан ул бой ўлжани кўриб қолишди ва дарҳол ушлаб олиб, ёнидаги барча нарсасини шип-шийдон қилишди ва бекваччани кип-яланғоч ҳолда Бухоро томон олиб кетишди. Ҳа, ахир демишлар, **мисраъ:** Касеро бахт баргардад, шикаст андар шикаст афтад (Кишининг бахти қайтса, бало устига балога йўлиқаверади); Ишқилиб, ота-бола иккови биттаси боғдан, биттаси роғдан Бухорога кириб келишди ва шундан сўнг ота-бола амир Насруллоҳ хузурида туришди.

Айтишларича, амир Умархоннинг Бухорода подшоҳлиги даврида Муҳаммадалихон мода жаноб қиблагоҳимнинг амакиси жаноб саййидлик паноҳи эшон Тўра хўжаи *хўжа калон*ни Бухорога элчилик билан юборган ва алар элчиликдан қайтиб, Хўқандга ташриф буюргандан сўнг жаноб саййидлик паноҳи эшон Султонхон хўжаи *хўжа калон:* – Оға, Муҳаммадалихоннинг қандайлигини яхши биламиз, унинг баёнига ҳожат йўқ. Ўратепада эса Муҳаммадраҳим *девонбегининг* ўғли Бобо *додхоҳ* амирлик мансабида ўтириб, ҳукм юргизмоқда, Бухорода амир Умархон салтанат тахтида ўтириб, подшоҳлик қилмоқда. Буларнинг ҳам ҳар иккисини кўриб келдингиз. Энди мана шу уч ҳокимдан қай бирини яхшироқ деб биласиз? – деб сўрабдилар. Жаноб эшон: – Қўлимдан келганида эди ҳар учини бир ерда қўйиб, биттасининг оёғидан олиб, бунисининг калласига урар, анависининг бошидан тутиб, мановисининг оёғига келтириб урардим. Шунда қайси бири тез ўлиб, мусулмонларни ўз зулмидан кутқарса, ўша олдинроқ ўлганини яхшироқ, деган бўлардим. Қайсиниси ундан кечроқ ўлса, бошимнинг садақаси, дейман. Учинчисини эса билмайман, – дея ушбуни айтибдилар, **байт:**

Аблаҳонро ҳама шарбат зи гулоби қанд аст,

¹³²² Панжакент – Зарафшон водийсида Самарқанднинг шарқида, 60 км. масофада жойлашган. Туман маркази.

Қути доно ҳама аз хуни жигар мебинам.
[Аблаҳлар нукул қанд гулобининг шарбатин ичар,
Дононинг озиғи эса фақат ўзининг жигари қонидир].

Ул икки азиз бир-бирларидан бир соат ҳам айрилмас ва ҳамиша бирга суҳбат қуришар эканлар. Шунга ишора қилиб амир Умархон Хўқандий даврининг малик уш-шуароси мавлоно Фазлий бу иккала *хўжа калон* сифатида шундай буюрмишлар, **маснавий**:

Дў хўжа калон он ду фаҳри умам,
Ба як жой буданд рўзе ба ҳам.
Ба дидори ҳам анжуман доштанд,
Ба ҳам аз зарофат суҳан доштанд.
Якери буд Истравшан мақом,
Дигар як буд аржуманди киром,
Хўжа калони Махдуми Аъзами.
Ниёзам ба хўжа калони Хўжанд.
Буд вазъ гуфтори ў дилписанд.
Ки дар ҳусни ахлоқ вазъи карам,
Чу Махдум Аъзам буд мўхтарам.
Яке мисраи хуб гуфт инчунин,
Ки бошад ажаб дилкашу нозанин:
«Совуқ рақиб юзи сарғайса фасл аз чи ажаб».
Чу бишунид хўжа калони дигар
Адо дастгоҳист Аҳрор фар.
Равон гуфт ин мисраъ дигараш,
Ки гардид як байт пур зевараш.
«Қуёши суҳбатидин замҳарир зар кўринур».
Буд васфи он ҳар ду хўжа калон,
Чу хуршеди тобон аён дар жаҳон.
Ба даргоҳи Дорои жамсалтанат,
Бувад ҳар дуру рифъату манзилат.
[Халқнинг икки фаҳри ул икки хўжа калон,
Бир куни иккови бир ерда тутдилар макон.
Бир-бири билан қурдилар қизик суҳбатлар,
Суҳбатлари нозик ва гапларида зарофатлар.
Бирга эди Истравшан юрти чўнг мақом,
Иккинчиси ҳам эрди халқ аро азиз, киром.
Яъни ул хўжа калон эди Махдуми Аъзамий.
Менинг ниёзим ул хўжа калони Хўжандга,
Сўзлари болу шакар янглиғ дилписандга.
Чиройли хулқу карам-эхсон бобида якто,
Махдуми Аъзамдек мухтарам эрур аммо.
Бир ажойиб мисрани айтди у бу янглиғ,
Ажиб бир дилтортар сўз йўқ у янглиғ:
«Совуқ рақиб юзи сарғайса фасл аз чи ажаб»
Яна бир хўжа калон эшитиб бу сўзни,
Яъни Адо хўжа Аҳрор авлоди эшитиб бу сўзни.
Яна бир мисрасини оғзидин равон қилди,
Ул икки мисрадин бир байт тамом қилди:
«Қуёш суҳбатидин замҳарир зар кўринур»
Ул икки хўжа калон васфидир аён,
Қуёшдек равшан жаҳон аро бу он.
Доро қасрида ва Жамшид салтанатида,
Ҳар иккисининг мақомидир баландда.)

**Амир Насруллоҳнинг Жиззах вилояти томонга қўшин
тортгани зикри**

Муҳаммадраҳим *девонбеги* ўша қочганича келиб амир Насруллоҳ хизматида тураркан, уч ойдан сўнг амир Насруллоҳ иккаласи сон-саноксиз лашкар билан Жиззах сари юзландилар. Анча йўл босиб ўтгач, манзилу мақсадга етишиб, Жиззах қалъасини паргор чизиғи каби ўраб олдилар ҳамда камал ва уруш ишига киришдилар. Муҳаммадсодиқбек, Иброҳимбек ва Исҳоқбек *девонбеги* сингарилар мардлик намунасини кўрсатиб, шиддатли жанглар қилишди. Саккиз кундан сўнг фуқаро ўртасига оғзи олачилик тушиб, қалъа дарвозасини манқитларга очиб бердилар ва Бухоро кўшини шаҳарга кирди. Мирлар арқда ўзлари ҳимояси учун беркиниб, камалчиларга қарата ўқ ва милтиқ отишга тушдилар. Ниҳоят ўт билан ўйнашиб бўлмаслигини кўриб, жанг баҳридан кечдилар. Шундан сўнг сулҳ сўзини орага солиб, «жаноб саййидлик паноҳи эшон Султонхон хўжаи шайхулислом ўртага тушиб, аҳду паймон ишларини зиммасига олсаларгини бизлар арқ қалъасини ташлаб чиқамиз», дейишди. Амир Насруллоҳ мирларнинг сўзини қабул қулоғи билан эшитди ва эшон жаноблари қалъага кириб, мирларнинг кўнглини тинчитди. Исҳоқ *девонбеги* ва Муҳаммадсодиқбек кўчи билан ташқари чиқиб, Жиззах қалъасини ташлаганча Шаҳрисабзга қараб йўл олдилар. Иброҳим бек Бухорога кетиш ниятини билдирди. Шу зайл Муҳаммадраҳим *девонбегининг* неча йиллик давлати бир соатда несту нобуд бўлди. Амир Насруллоҳ унга онаси ва қариндошлари билан хайрлашиб, уларни шу ерда қолдиришни буюрди. Муҳаммадраҳим *девонбеги* онаси ва яқин қариндошу фарзандлари олдига бориб, улар аҳволини бир ҳолатда кўргач, йиғлаб юборди.

Амир Насруллоҳ Жиззах қалъасини ҳам ўз давлати таркибига кўшиб олди. Ниёз *тўқсоба* ва Нурмуҳаммадни тўпга солиб оттирди. Яна қирқ жамоасидан етмиш беш кишини фуқаро кўлига топшириб, ўлдиртирди. Шу сабабли фуқаро ул жамоанинг хундори бўлиб қолди. Амир Насруллоҳ Жиззах ишидан кўнгли тинчигач, Жиззах қалъасини Ҳаким *додхоҳ* манқитга топширди ва ўзи Самарқанд сари равона бўлди.

Муҳаммадраҳим *девонбеги* Ўратепада ҳукмронлик қилиб ўтирган пайтда Муҳаммадалихон моданинг кўшин бошлиғи сипаҳсолор Ҳаққули ибн Жаҳонгир бўлиб, у ўз ўғлини амакиваччаси Искандарбийга кўшиб, қариндошларидан бирининг унашилган қизини никоҳига киритиб қайтиши мақсадида куёв сифатида катта дабдаба билан Ўратепага жўнатди. Куёвнинг ёнида Раҳматуллоҳ исмли чиройли бир ўспирин ҳам куёв навкар бўлиб кетаётган эди. Муҳаммадраҳим *девонбегининг* ўша нозанин йигитга ишқи тушиб, сочу зулфлари арқонига банди бўлиб қолди ҳамда Ҳаққули сипаҳсолор фарзандларининг бундай савлат ва ҳашамат билан кетаётганидан ғазаби қайнаб, уларнинг ҳаммасини ушлаб, қамоққа ташлади. Бечоралар анча вақтдан сўнг неча бир қийинчилик ва обрўлари тўкилган кўйи озод бўлиб, уйлари сари кетдилар. Ул ўспирин эса Муҳаммадраҳим *девонбеги* билан ўртоқ тутиниб, *девонбеги* бир лаҳза ҳам ундан узоқлаша олмайдиган бўлиб қолди. Иттифоқан, ўша суюклиси Жиззах фатҳидан сўнг Муҳаммадраҳим *девонбегининг* ёнидан қочиб, Хўқандга кетди. Муҳаммадраҳим *девонбегининг* кўзига мамлакат ва давлат, қариндошу фарзандлардан ажралиш кўринмас, аммо, ул маҳбубидан жудо бўлиш бу ишқ девонасини баттар телба қилиб ташлаганди. Чунончи туркийда демишлар, **мисраъ:** Ҳар нечук дард ўлса ўлсун, доғи хижрон ўлмасун; Муҳаммадраҳим *девонбеги* айрилиқ оловида ўтга тушган соч толаси каби тўлғанар экан, бу хабар амир Насруллоҳ қулоғига етишиб, эртаси куни амир Насруллоҳ амирлар орасида ўтирган Муҳаммадраҳим *девонбегига* қараб, «бу кишининг маҳрами Раҳматуллоҳ қочиб кетибди» деди. Шунда Муҳаммадраҳим *девонбеги* «мен ўша йигит сабабли Ўратепа, Жиззах, балки юзиянинг бутун давлатини ютқаздим. Мана ҳозир эса Сиз, жанобларининг давлатидан ўз суюклигимни ҳам ютқазиб ўтирибман», дея жавоб берди. Амир Насруллоҳ Муҳаммадраҳим *девонбегидан* бу жавобни эшитгач, ҳеч нарса демай, жим бўлиб қолди. Самарқандга келиб тушилгач, Муҳаммадраҳим *девонбеги* қочишга қарор қилиб, Шаҳрисабз сари юзланди. Ул амирлик паноҳининг келаётганидан хабар топган Дониёл *оталиқ* унинг истиқболига шахсан ўзи чиқди ва бир-бирлари билан кучоқлашиб кўришдилар. Неча бир иззат-икром билан яхши бир уйга жойлаштириб, яхши меҳмондорчиликлар адо этди. Амир Насруллоҳ Самарқанддан Бухорога қайтгач, *девонбеги* бир неча вақт ўша диёрда яшаб турди. Ўша кезларда жаноб қиблагоҳим Урганждан келдилар. Мен хизматларига Шаҳрисабзда етишдим. Бу гапларнинг қолганини кейинроқ ҳикоя қиламиз.

Оғам амирлик паноҳи Муҳаммадраҳим девонбегининг шахидлик топгани зикри

Муҳаммадраҳим *девонбеги* Шаҳрисабз вилоятида турғун яшаркан, ўша вақтда Ҳаққулининг бутун Фарғона лашкарини йиғиб, Кошғар тарафларга юзлангани ва Ўратепа шахри душмандан холи қолгани хабари келиб, буни Муҳаммадраҳим *девонбеги* ҳам эшитмай қолмади. Фалак яна

бузукчиликка тўла пасткаш олам узра ўйин кўрсатишни хохлаб, шунингдек, Ўратепа улуғлари номидан енгилюрар, учкур қосидлар яширинча келиб, мазкур *девонбегини* ваъдалар билан ҳукуматни қўлга олиш учун чорлаб, «фалон кун келинг, барчамиз бандангиз ва фармонингизни адо этувчингиз бўламиз», деб юбордилар. Қиблагоҳим ва Дониёл *оталиқ* қанчалик қаршилик қилишмасин, ул амирлик паноҳнинг умри шу орада туганган экан, уларнинг насихати фойда бермади. Кетаман, дея ўз гапида қаттиқ туриб олди. Дониёл *оталиқ* ноилож ёнига йўл кўрсатувчи қўшиб берди. Шу кўйи *девонбеги* билан хайрлашдик. Ул довьорак амир ўн саккиз нафар кишини олиб, Исҳоқ *девонбеги* билан бирга Ўсма¹³²³ йўли орқали саллохона томон кетди. Ҳа, ҳеч бир ерда дам олдирмай, тез ҳаракатлантирган зайл қазо уни ғалаба умидида Ўратепа сари шошилтириб кетаётган эди. Икки кеча ва бир кунда ўзини манзил сари етказди. Аммо, чорлаган кишилар билан келишилган ваъдасига риоя қилмай, бир кун илгари ярим саҳар чоғи етиб борганди. Сув кечувидан ўтиб, шаҳарга кирди ва маънида солиҳ киши бўлмай, фақат номигина солиҳ бўлган Муҳаммадсолиҳ хўжанинг уйига тушди ва шу заҳоти «давр Муҳаммадраҳим *девонбеги* давридир», дея жар солдирди. Бу шовқинни эшитган шаҳар халқининг барчаси ярим тунда ноз уйқудан уйғониб, ҳайратга тушдилар. Кутилмаган янгилик шаҳар бўйлаб ёйилгач, айрим кишилар ўша қоронғу тунда Муҳаммадраҳим *девонбеги* олдига югуриб бордилар. Ул ваъда берган кишилардан шаҳарда борлари ҳам келишди, шаҳардан ташқари чиқиб кетганлари эса бу гапдан хабар топишмади. Кўплари эса ваъдага хилоф иш тутишди. **Назм:**

Ёри ман дил зи дўстон бардошт,
Ахди дерина аз миён бардошт.
[Ёрим дўстлардан дилин узди,
Эски аҳду паймонин бузди].

Ўша пайтда хўқандликлар томонидан Шоҳи *додхоҳ* бу ерда юрт сўраётган бўлиб, фалакнинг бу каби ўйинидан ҳайрат денгизига ғарқ бўлди ва бу ҳалокат қаъридан қандай қутулишини билмай қолди. Ниҳоят қочиб қутулиш пайига тушди. Ўша чоғда Муҳаммадсолиҳхўжа қараса, амирлик паноҳи Муҳаммадраҳим *девонбегининг* ёнида бор-йўғи беш-олти мулозимини бўлиб, бошқа кишиси йўқ экан. Дарҳол ўзини тарафдор қилиб кўрсатиб, лекин ўзи аслида ҳам хўқандликларга самимий давлатхоҳ бўлгани учун ва бу *девонбеги* бошқа ернинг одами экани сабабли ул аҳмоқ хўжа бадномликни ўзига муносиб кўрганча яширин равишда Шоҳи *додхоҳ* олдига одам юбориб, «қўзлаган ўлжангиз қўлга тушди, ҳаялламай келиб, қўлга олинг» қабилдаги хабарни етказди. Ўзи эса *девонбеги* олдида ўтириб олиб, ул амирлик паноҳини яхши гап-сўзлар билан авраганча, тонг отишини пойлаб, гапга чалғитиб турди. Бирор фурсатдан сўнг субҳи содиқ ёқасини йиртди ва ложувард чархнинг олтин қанотли товуси қанотини ёя бошлади. Шаҳарнинг тарафдор халқи кун ёришгач, келиб қарашса, *девонбегининг* ёнида кўшин-пўшин деган нарсдан асар ҳам йўқ. Бунини кўришгач, ҳар ким бир баҳона билан уйларига қайтиб кетди. Ўша аснода Муҳаммадсолиҳхўжанинг чопари Шоҳи *додхоҳ* олдига бориб, воқеани бир-бир айтиб берди. Шоҳи *додхоҳ* Солиҳхўжа юборган хабардан боши Сурайё юлдузигача етиб, дарҳол отланди ва самандини Муҳаммадраҳим *девонбеги* устига қараб чоптирди. *Девонбеги* мазкур хўжа қилган ишдан ҳайрат бармоғини тишлаб, тақдирга тан беришдан ўзга чора топмади. **Мисраъ:** Мурғи зийрак чун ба дом афтад таҳаммул боядаш (Зийрак қуш тузоққа илинса, чидаши лозим); Амир хизматидаги бир нечта кишиларнинг барчаси кин ва адоват қиличини ғилофидан суғуриб, урушга киришдилар. Кўча тор ва жуда узун эди. Бир соатча мардликнинг додига етиб, бостириб келган оломон билан жасурона бир тарзда олишдилар. Шунда том тепасидан, ўзи аслида *девонбегининг* фуқаросидан саналган бир чапани боланинг милтиғидан бир ўқ чиқиб, ул жанг ўрмонининг шери орқасига тегди ва *девонбеги* шу заҳотиёқ тубанлик тупроғи узра қулади. Ул нопок шум ниятли бола абжирлик билан томдан пастга сакраб, *девонбегининг* покиза бошини шафқатсизлик ханжари билан пок танидан бутунлай жудо қилди. Халқ бу ҳолатни кўриб, Муҳаммадраҳим *девонбегининг* мулозимларини қаерда бўлишса товук жўжалари каби битта-битта йиғиб келиб, барчасининг бошини кесишди. Ўша «ушла-тут» чоғи Исҳоқ *девонбеги* ўзини Муҳаммадсолиҳхўжа ҳарамини ичига урди ва Муҳаммадсолиҳхўжанинг хотинига қарашли хилватхонага шундай қилиб яшириндики, Анқонинг уруғидан бирор белги топган ва кимиё Семурғи қаердалигини билган киши бўлса ҳам, уни ахтариб келса, қуруқ қайтиши турган гап эди. Чунончи демишлар, **байт:**

Ин дом бубару қасди шикории дигар кун,
К-он сайд ки диди ба каманди ту наояд.
[Бу тузоғинг йиғиштир, бошқа нарсани овла,
Бу кўрган овинг сенинг тузоғингга илинмайди].

¹³²³ Ўсма¹³²³ – Самарқанд-Жиззах йўлида жойлашган.

Муҳаммадраҳим *девонбегининг* мулозимлари бошига тушган бало-офатлар сурони тинчигач, Исҳоқ *девонбегининг* ўзи Муғ аркига борди. Чунки, Шоҳи *додхоҳ* бу воқеалардан илгари амир Умархон даврида Исҳоқ *девонбеги* билан дўстлик ришталарини боғлаган бўлиб, шунга кўра, Шоҳи *додхоҳ* ўша эски ошнолик ҳурматини сақлаб, унга тегмади. Чунончи демишлар, **байт:**

Касеро ки Эзид ниғаҳбон бувад,
Чи ғам оламе душмани жон бувад.
[Кимга худонинг ўзи бўлса пушти паноҳ,
Бутун олам аҳли душман бўлса ҳам не ғам].

Эртаси куни Шоҳи *додхоҳ* Муҳаммадраҳим *девонбегининг* бошини ўн еттита кесилган бошга бошлиқ қилиб, Исҳоқ *девонбеги* билан бирга Хўқандга юборди. Бу хабарни эшитган Муҳаммадалихон мода терисига сиғмас даражада хурсанд бўлди. Муҳаммадраҳим *девонбегининг* бошини Муҳаммадалихон мода олдиға келтирганларида эса Мансури Ҳаллож¹³²⁴ каби бошни дорға осишларини буюрди ва худди шундай қилишди. Исҳоқ *девонбегини* қамоққа ҳукм қилди. Сўнг буларга ҳам қаноат қилмай, Муҳаммадраҳим *девонбегининг* жонсиз гавдасини Ўратепадан неча бир хорлик-зорлик ила Хўқандга олдириб келиб, ҳалиги дор тагига ташлатди. Анча кунлардан сўнг унинг буйруғига кўра бош билан гавдани бирга қўшиб, дафн қилдилар. Туркларнинг бир мақоли бор: Ёмоннинг кучи билакдадир; Аммо, демишлар, **Мисраъ:** Чўб бар мурда кашидан зи жавонмарди нест (Ўликни таёқ билан уриш марднинг иши эмас]. Ёши қирқ саккизда, ҳукмронлиги муддати эса 12 йил эди. **Қитъа:**

Гашти рўзгор дерин аст,
Чи ажабҳо ки дида бошад ў.
Рўбаҳи пиру ҳаст гурги куҳан,
То киҳоро дарида бошад ў.
[Олам айланиши, эҳ, неча замондин,
Қанча ажойиботлар кўрган денг.
Қари тулки у ҳам ўша эски бўри-а,
Кимларни қилмаган тилка-пора].

1246/1830 йилда Муҳаммадалихон мода ўз биродари кўзимнинг қорачўғи Султон Маҳмудхонни бадарға қилдирди. Ул шахзода қаттиқ оғриниб, аммо, сабру бардош ва неча бир чидам билан Шаҳрисабз сари равона бўлди. Бир неча манзил босиб ўтгач, Самарқандга етди. Бу хабарни амир Насруллоҳ эшитиб, уни ҳузурига чақирди. Султон Маҳмудхон амир Насруллоҳ ҳузурига борди ва амир унга чексиз меҳмондорлик кўрсатиб, сўнг кетиши учун рухсат берди. Кўзлар нури Шаҳрисабзга яқин келганида Дониёл *оталиқ* хабардор бўлиб, фарзандларини унинг пешвозига юборди ва катта иззат билан қаршилаб, муносиб жойга туширди ва кўзлар нурига яхши тарбият ва қарашиқлар кўрсатиш билан машғул бўлди.

Амир Насруллоҳнинг Шаҳрисабзга лашкар тортгани зикри

Шу йили амир Насруллоҳ Шаҳрисабзга лашкар тортди. Йўли асносида Чирокчи қалъасида тўхтаб, бузилиб ётган қалъани янгидан бино этиб, бир неча кундан сўнг Шаҳрисабз сари равона бўлди. Дониёл *оталиқ* унинг келишидан хабар топиб, жангга тайёргарлик кўра бошлади. Иккала лашкар Китоб шаҳридан бир ярим тош келадиган Бештерак мавзеида рўпара келиб, қаттиқ жангга киришдилар. Анча олишув ва жанглардан сўнг Дониёл *оталиқ* ўз лашкарини қанча азоб ва машаққат билан муҳораба майдонидан эсон-омон олиб чиқишга эришди. Урушдан тўймаган Амир Насруллоҳ эса мазкур жанглардан сўнг ўз сўзидан қайтмай, Синахон қалъасини камал қилишга киришиб, бу қалъани тўп ўқлари ёмғирига дучор қилди. Дониёл *оталиқ* эса Китоб шаҳридан ярим фарсах наридаги Саййид Лола мазорини ўз лашкаргоҳига айлантди. Бир куни фақир Дониёл *оталиқ* билан бирга дурбин билан манқит лашкарини тамоша қилардик. Авлиё *тўқсоба* деган бир неча йиллик эски кадрдонимиз бўлиб, у Дониёл *оталиқ*нинг надими эди. Бу тўқсоба милтиқ отишда замонасининг

¹³²⁴ Мансури Ҳаллож – Ҳусайн ибн Мансури Ҳаллож (858– 922) – тасаввуфда ўта сўл оқимнинг йирик вакили. Ғоявий жиҳатдан қарматларга яқин бўлган. Тур, Байдо, Басра, Бағдод шаҳрларида билим олган. Мусулмонларнинг айрим одатларига ва шариятнинг баъзи қоидаларига зид фикрлар айтган. Ислоннинг Аллоҳ тўғрисидаги тавҳид ақидасига зид равишда худо инсонда намоён бўлади, инсон ва, умуман, моддий олам худонинг жилоланиши, “Мен ҳақ (худо) ман (“Ана-л-Ҳаққ”), менинг ўзлим — худонинг ўзлигидир, деган фикрни илгари сурган ва бу фикр билан ваҳдати-вужуд таълимотига йўл очган. Ҳаллож ўз ғояларини Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Ироқ ва б. мамлакатларда тарғиб қилган ва мухлислар орттирган. Шарият пешволари Ҳалложни бидъатчиликда ва шаккокликда айблаб, қатл этишга ҳукм чиқарганлар.

ягона мергани ва нодири даврон ўқчиси эди. Ўша тўқсоба фақирнинг қулоғига: – Туринг, Сиз жанобларига қизиқ бир тамошо кўрсатамиз, – деди. Фақир ул биродар сўзига кириб, ўрнимдан турдим ва отларимизга ўтириб, ёв томонга қараб кетдик. Биздан олдинроқ у ерга *оталиқ*нинг баҳодирлари етиб боришган бўлиб, халққа уруш майдони сари ўтишга йўл бермай тургандилар. Авлиё *тўқсоба* эса одамларга ёлғондан «*оталиқ* урушсинлар демокдалар» деди. Халқ Авлиё *тўқсоба*дан бу гапни эшитгач, ҳар тарафдан отланиб, жанг сари юзландилар ва уруш бозори тобора қизий бошлади. Фақир *Оталиқ*нинг олдига бордим, кейин билсам, у отланиб олдинроқ келиб олган экан. Мендан «асли воқеа нима ўзи, қандай қилиб уруш рўй берди?» деб сўради. Мен «билмайман» деб жавоб бердим. Ўша пайтда уруш авжига чиқиб, уруш майдони жангчилар қонидан қизил қонга бўялган эди. Қазову-қадар эса буни кўриб, кўркувдан дир-дир титраб, қалтирар ва қай бир паҳлавоннинг бўғзидан маҳкам олишини билмай ҳайрон эди. Ўша аснода оғам кўзлар нури Султон Маҳмудхон етиб келди, аммо, уни орқага қайтариб юбордик. Қанчалик уринмайлик, фитна олови сўнмасди. Ўша вақтларда Дўст Муҳаммад *додхоҳ* (Дониёл) *оталиқ*дан кўнгли қолиб, амир Насруллоҳ томонга кетган эди. Бул фитналарнинг хамиртуруши ул амирлик паноҳи бўлиб, жаҳлдор сипоҳилардан бир нечтаси билан манқит лашкарининг илғори сифатида етиб келди. Ҳа, демишлар, **байт:**

Шағоли бешаи Мозандаронро,
Нагирад жуз саги Мозандарони.
[Мозандарон ўрмонининг шағолини,
Фақат Мозандарон итигина босиб олади].

Зафар насими унинг туғи томон эсиб, *оталиқ*нинг лашкари бирданига қочиш водийси сари юзландилар. *Оталиқ* қанча ноқора чалиб, одамларни қочишдан тўхтатишга уринмасин, ҳеч ким унинг гапига қулоқ осмади. *Оталиқ* эса уруш таблицини чалганча қолаверди. Чунончи айтмишлар, **байт:**

Далерон натарсанд зи овози кўс,
Ки онжо ду чўб аст, як парча пўст.
[Ботирлар кўркмас ноқора-довул овозидан,
Чун у икки таёқ, бир бўлак чармдан ясалган].

Ўша вақтда *оталиқ* ёнида байроқ кўтарган *туғчиси* ва шаҳар қозиси ва саксон ёшга кирган Омон Давлатбийдан бўлак ҳеч ким қолмаган эди. Кекса бий *оталиқ*қа қараб, «қочиш лозим» деб қанчалик жон куйдирмасин, чақириқлари беҳуда гап бўлиб қолаверди. **Қитъа:**

Пире буд ва ҳазор иллат,
Иллат чи ки сад ҳазор зиллат.
Ҳар чанд ки бештар зуфунун аст,
Дар пеши жавон баса забун аст.
[Бир чол эди минг бир иллат ила,
Иллат недур юз минг зиллат ила.
Қанча бўлмасин ул илмларда зўр,
Ўспирин олдида эди бечора ғўр].

Яна қолган киши камина эди. *Оталиқ* қараса, иш қўлдан чиққан. *Туғчига* қараб «байроқни йиғиштирма» деб буюрди. Ўша пайтда қиблагоҳим етиб келиб, *оталиқ*қа аччиқ устида қаттиқ гапирди: – Нима, халқни ялписига қирғин қилдирмоқчимисиз?

Оталиқ жаноб эшондан бу сўзни эшитгач, жим бўлиб қолди ва *туғчини* ўз ҳолига қўйди. Дўст Муҳаммад *додхоҳ* қараса, бор-йўғи битта отлиқ қолибди. Барчаси қўлга тушадиган. Давлат кенагас хонадони кўлидан чиқиб, ўзига ҳам катта талафот етиб, биронта фойдаси тегадиган эмас. Бинобарин, бир тадбир ва ҳийла билан манқит лашкарини тўхтатиб қолди. Ҳақиқатдан ҳам агар яна озгина илгари силжишса, шу билан иш тамом эди. Бирор фурсатдан сўнг қочаётган кишилар *оталиқ*нинг ҳали ҳам хилпираб турган байроғини узоқдан кўриб, битта-битта қайтиб кела бошлашди. Бир юз йигирма икки жангчи тўпланди. Манқит лашкари эса ўз қароргоҳига қайтиб кетди. Фақир *оталиқ*қа «сиз туркларнинг мақолини эшитган эдим, аммо кўрмагандим. Мана ҳозир ўз кўзим билан кўрдим, ушбу гап рост экан: Ёв яроғини ёв билмас». *Оталиқ* икки кўли билан ёқасини ушлаб турганча пиқиллаб йиғламоқда ва қайтиб келган давлат шукронасини қилмоқда эди. Бирор соатдан сўнг неча бир маъюслик ва алам билан ўз лашкаргоҳи сари кетди. Эртаси куни Синахон қалъасидагилар аҳду паймон қилиб, қалъани ташлаб келишди. Кейин *оталиқ*нинг тинчлик вақти ҳар бири ўзини замон Рустам¹³²⁵ и ва даврон Асфандиёр¹³²⁶ и санаб юрган атрофдаги укалари шу чоғда ҳукумат баҳридан

¹³²⁵ Рустам – «Шоҳнома» асаридаги Рустами дастонга ишора.

Ўтиб, қалъаларини манқитга топширдилар ва ўз уйлари сари юзландилар. Дониёл *оталиқ* укалари ишидан таажжубга тушиб, афсус-надомат қўлларини бир-бирига сурди ва ушбу қитъани ўқиди, **қитъа:**

Саҳар булбул ҳикояти сабо кард:
Ки ишки руйи гул бо мо чиҳо кард?
Ман аз бегонагон ҳаргиз нанолам,
Ки бо ман ҳар чи кард, он ошно кард.
[Саҳарда булбул қилди сабодан ҳикоят:
Гул юзи ишқидан бизга шунча маломат.
Бегоналардан қилмасман ҳеч шикоят,
Не қилса ул ёр-дўстдин келди укубат].

Амир Насруллоҳ қалъаларни эгаллагач, ҳар бирига алоҳида ҳоким тайин қилди. Сўнг ярашишни таклиф этди. *Оталиқ* ҳам халқ осудалиги учун тинчлик сўзини қабул қилиб, сулҳ битими тузилди. Амир Насруллоҳ шу билан Бухорога қайтиб кетди. *Оталиқ* ҳам Шаҳрисабзга қайтди. Алқисса, бир неча кунлардан сўнг фақир ўқиш учун Бухорога кетдим. Бухорога етгач, амир Насруллоҳ мени олдингидек жаноб қиблагоҳим эшон шайхулислом Султонхонни ва Ҳаким *қўшбегини* ўртага қўйиб, ўз давлатидаги хизматга таклиф қилди. Тағин каминадан аввалги жавобни эшитди. Айтмишлар, **ғазал:**

Зи айвони зарандуди шаҳон набувад ҳавас моро,
Руҳи зарде ки бар девори ғам сойим бас моро.
Аз он танҳойи кунжи ғариби шуд ҳавас моро,
Ки рўзе чанд нашиносем мо касро, кас моро.
«Аз инжо хезу, онжо шин» нагуяд ҳеч кас моро.
[Шоҳларнинг олтин гардишли айвонига йўқ менда ҳавас,
Сариқ юзимни ғам деворига сурсам шунинг ўзи менга бас.
Ёлғизликдан ғарибликнинг бир гўшасини қилиб орзу-ҳавас,
Бир неча кун билмасмиз ўзгани, ўзгалар эса бизни танимас,
«Тур бундан, у ерга ўтир» сўзларин ҳеч ким бизга демас].

Бир йилдан сўнг жаноб қиблагоҳим ҳам жаноб ҳидоятпаноҳий халифа Ҳусайн *алайҳурраҳма* зиёрати учун Бухорога ташриф буюрдилар ва сайидлик паноҳи эшон Султонхон уйига тушдилар. Амир Насруллоҳ бу гал ўз ҳолларига қўймай, кўп шафқат ва марҳаматлар кўргузган кўйи олмахон терисидан тикилган пўстин билан бирга ўзининг алоҳида сарупо совғасини ва олтин жабдуқли хос отини инъом қилди ҳамда олий бир турар жой ва ҳар ойига минг танга нафақа тайинлади. Жаноб қиблагоҳим ноилож қабул қилдилар.

Амир Насруллоҳнинг Шаҳрисабз томонга лашкар тортгани зикри

1248/1832-33 йили амир Насруллоҳ катта лашкар билан Шаҳрисабз томонга йўналди. Ўша пайтда мадрасаларда таътил вақти бўлиб, дарс ўқимасдим. Кўнглимга «то ўқиш бошлангунча юришда қатнашаётган ҳар икки қиблагоҳим¹³²⁷ хизматида бўлайин ва ҳам лашкар томошасини кўрайин, сўнг қўшин қайтиши билан биров вақт Шаҳрисабзда туриб, ғамли дилларни шод айлайин» деган ниятни юрагимга тугиб, фақир ҳам жаноб қиблагоҳларга эргашган кўйи Шаҳрисабз сари юзландим. Бир неча масофа йўлни орқада қолдириб, манзилга яқинлашдик ва иккала азизлар менинг Шаҳрисабзга киришни мўлжал қилаётганимни пайқаб қолиб, турган гап, қаршилиқ қила бошлашди. Шаҳар ичкарасидаги қадимий дўстлар меҳри эса мени қаҳрабодек ўз томонига тортиб, уларни кўриш иштиёқи кучли келавергач, қиблагоҳлар сўзига кулоқ осмадим. Ниҳоят ул азизлар бу сўзни Шарифбек *меҳтар*¹³²⁸ ибн Давлат *қўшбегининг* ўғли Шукурбек *дастурхончи*¹³²⁹га етказдилар. Мақсадлари *дастурхончи* амир Насруллоҳга айтиб, менга шаҳар сари йўл бермасликни уқтириш эди. Фақир улуғларимнинг маслаҳатидан огоҳлик топиб, азиз акам Тўра хўжа *нақибга* воқеани сўзлаб бердим. Ул ҳазрат дарҳол ўз маҳрамини Шукурбек *дастурхончи* олдига юбориб, фақирга томонлар яраш битимига келишса, амир Насруллоҳдан шаҳарга кириш учун рухсат олиб беришини сўраттирдилар. Шукурбек *дастурхончи* аларнинг сўзини қабул қилиб, жавоб олиб беришни ўз

¹³²⁶ Асфандиёр/Исфандиёр – “Шоҳнома” асари қаҳрамонига ишора.

¹³²⁷ Икки қиблагоҳ – муаллиф ўз отаси ва шоир Султонхон хўжа Адони назарда тутмоқда.

¹³²⁸ Меҳтар – катта, улуғ амалдор дегани.

¹³²⁹ Дастурхончи – хон дастурхони ва ошхонасининг бошлиғи (хонсолор ҳам дейишган).

зиммасига олди. Буни эшитиб роса хурсанд бўлдим. Синахон мавзесига бориб, Шукурбекнинг чодирини ахтариб топдим. Қарасам, амир Насруллоҳ тепа устида ўзининг подшоҳона чодир остида ўтирибди. Олдида ёлғиз Шукурбек тикка турибди. Бошқалар қўл қовуштирган кўйи амирни узоқдан куршаб туришарди. Шукурбекнинг чодирини ҳам амир Насруллоҳнинг чодирига яқин жойда тикилганди. Шу сабабли энди орқага қайтиб кетишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Ноилож Шукурбекнинг чодирини сари йўналдим. **Мисраъ:** Ринди оламсўзро бо маслаҳат бини чи кор (Оламга ўт қўювчи девона ринддан ақл талаб этиш не даркор); Амир Насруллоҳнинг кўзи фақирга тушди-ю, айна шу чоғда Шукурбек ҳам чаққонлик билан ўрнидан туриб, таъзим қилганча пастга қараб югурди. Фақир амирнинг мен ҳаққимда бир нима деганини англадим. Биз чодирнинг бу эшигидан кирдик, Шукурбек эса у томондан келиб кирди. Салом бериб, кучоклашиб кўришдик. Ўтириб фотиҳа ўқимоқчи бўлган эдим, бироқ, ушбу гапларни айтиб қолди: – Амир Насруллоҳ ҳазратлари «ҳожини Хакимхон Бухорога қайтгунимизга қадар ҳар кун аср намозини биз билан ўқисинлар» деб буюрдилар ва ҳам меҳрибонлик кўргузиб «ҳозир бизнинг ёнимизга келсинлар ва бизни дуо қилсинлар» дедилар.

Шукурбек шу гапларни айтarkan, қўлимдан ушлаган кўйи амир Насруллоҳ томонга йўналди ва гапиршимга фурсат бермади. Ноилож барчамиз кета бошладик. Амир Насруллоҳнинг кўзи менга тушиши билан энгини оғзига тутганча кула бошлади. Ёнига ўтириб, Шукурбек билан бирга дуо қилдик. Сўнг амир: – Сизни биламан, ҳеч қачон қочиб кетмайсиз. Биз ҳам ҳеч қачон Сизга рухсат бермаймиз, – деди. Мен эсам: – Ўзингиз биласиз, соҳиби ихтиёрсиз, – дея ушбу байтни ўқидим.

Байт:

Паре қоҳе чи тавонад ки ба жое бирасад,
Кўшише аз тарафи қоҳрабо мебояд.
[Гоҳида бир самон чўпи ҳеч ерга ета олмайди,
Ҳаракат сомонни учирадиган томондан ҳам керак].

Ва қайтиб, Шукурбек билан бирга чодирга кирдик. Кейинчалик Шукурбек менга бу воқеа ҳақида қуйидагича гапириб берганди: Амир узоқдан Сизни кўриб ва нима ниятда келганингизни сезиб, фақирга «қара эшон ҳожини Хакимхон жавоб учун сенинг чодирингга келиб турибдилар. Тез бор-да, эшондан олдин сўзга туш ва бизни дуо қилишга унда. Шундан сўнг жавоб сўрай олмайди, деди. Амирнинг шу ўргатганича, ҳузурингизда мазкур густохлик¹³³⁰ ни қилиб, фотиҳа ўқишингизга фурсат бермадим».

Ўзи кейин билсам, қиблагоҳларим аллақачон қиладиган ишларини қилиб бўлишган экан. Биз эсак беҳабар эканмиз. Ноилож, бошимизни эгиб, қиблагоҳлар ҳукмига итоат қилишдан ўзга чорамиз қолмади.

Ақл эгалари ҳузурда яширин қолмасинким, бундан бир йил олдин амир Насруллоҳ келиб, Дуоба¹³³¹ қалъасини саккиз кун қамал қилди. Ўшанда Бекмурод *додхоҳ* ибн Ниёз Али *девоубеги* қалъада бўлиб, саккиз кундан сўнг тинчлик аҳдини тузганча, Бекмурод *додхоҳ* Дуоба қалъасини ташлаб кетди. Амир Насруллоҳ ғалаба билан қалъани эгаллаган эди.

Алқисса, эртаси куни Обканда¹³³² қалъаси сари юзландик. Бу пайтда оғам Имомназарбек ибн Раҳматуллоҳбек ибн Муҳаммадалибий ибн Ниёзали валинаъми ўша ерда ҳоким эди. Амир Насруллоҳ қалъа яқинига бориб қўш ташлагач, Имомназарбек урушга ҳозирланиб, ҳар кун икки томондан мардона жанглари рўй бериб турди. Аммо, кутилмаганда Имомназарбек биродарининг қурол-аслаҳа ва портловчи дори сақланадиган омборига ўт тушиб, анча кишилар ўтда куйишди. Имомназарбек ҳам оз бўлсада ўт балосига учради. Шунингдек, Дониёл *оталиқдан* ҳам ҳеч қандай ёрдам келмади. Қалъа аҳолиси жуда танг аҳволга тушиб, қамал муддати ҳам ўн кунга чўзилди. Ниҳоят, Имомназарбек ўртага сулҳ сўзини солди ва қалъани бўшатиб, амир Насруллоҳга топшириб, ўзи амир Насруллоҳ хизматида келиб қўшилди. Амир Насруллоҳ қайтиб, Темурчи мавзесига келиб қўш ташлади. У ердан Китоб шаҳригача чорак фарсах масофадир. Сўнг Дониёл *оталиққа* одам юбориб, ярашдилар. У мавзедан кўзғалиб, Бухоро сари юзланди. Анча йўл юриб, манзилу мақсадга етишди ва бир неча кун мобайнида йўл чарчокларини ёзиб, дам олди.

Амир Насруллоҳнинг Самарқанд вилоятида касал бўлгани зикри

¹³³⁰ Густохлик – гуноҳ, юзга чопарлик.

¹³³¹ Дуоба, қалъа – кишлок маркази (Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманида жойлашган).

¹³³² Обканда – Китоб туманида кишлок маркази. Китоб шаҳридан 30 км. масофада Палангдара томонида жойлашган.

Келгуси йили 1249/1833-34 санада амир Насруллоҳ Самарқанд сари йўлга тушди. Неча манзил йўл юргач, ул шаҳарни пойи қадами билан безади. Бир-икки кундан сўнг табиий мизожи ўз асл ҳолатидан қайтиб, бадани мулкига бир касаллик оралади ва жисмоний ҳаракати ўз фаолиятдан қолди. Бу хабар эса бутун Самарқанд шаҳри бўйлаб ёйилди. Исён олови аланга олишига ҳам сал қолди. Ўша пайтда ҳазрат ҳакими мутлақ ғайб шифохонасидан унга сихат-саломатлик қарам қилиб, мизожи ўша исён инқироzi кечаси соғлик сари юзланди. Эртаси куни амирлар биргалашиб, қийинчилик билан отга мингазиб, Бухоро томон юзландилар. Ўзи отга чиқишига сира ҳам ҳоли йўқ эди. Ноилож отни секин ҳайдаб, ҳар кун бир фарсах, икки фарсахгача йўл юриб кетишди. Ниҳоят ўн олти кун деганда Бухорога етиб, Ражаб *девоубегининг* Бухоро қалъасига туташ чорбоғига қўш ташлади. Тонг отгач, Бухоронинг барча халқи – хотину эркак йиғилишиб, амир Насруллоҳни кўриш учун чиқдилар. Мен ҳам истиқбол мақсадида ўша айтганим чорбоққа бордим. Чорбоққа яқинлашсам, ул томондан амир Насруллоҳ отга миниб, чорбоғдан чиқиб келди. Ўша ерда яқиндан кўришиб, амир Насруллоҳнинг ҳам кўзи менга тушди. Унинг ҳол-аҳволини кўриб, беихтиёр йиғлаб юбордим. Кимга қарамайин, бошқалар ҳам менинг ҳолатимга тушишган эди. Арк дарвозасигача бирга бордим ва Ҳаким *қўшбеги* арк дарвозаси остонасида турганча амир Насруллоҳни бағрига босди ва пешонасидан ўпиб, бошидан танга сочди. Сўнг биргалашиб ичкарига олиб кетди. Биз эса уй-уйимизга тарқалашдик. Ўша пайтда жаноб қиблагоҳим Маъсумхон амир Насруллоҳдан рухсат олиб, байтуллоҳ сари равона бўлди. Бироқ, Бухородан чиққач, ота-боболаридан қолган ва Дониёл *оталиққа* ижорага топшириб қўйган кўчмас мулки ва ерлари ҳақидан йўл харажатлари учун бирон нарса ундириш умидида Шаҳрисабзга келди. Аммо, билмасдики, **байт:**

То жаҳон аст аз жаҳон аҳли вафое бар нахост,
 Нек аҳде бар наёмад ошное бар нахост.
 Хун ба хун мешави ки зи роҳат нишоне монда нест,
 Худ ба худ месоз гар ҳамдам вафое бар нахост.
 Ё раб андар кишвари мо бар намехезад вафо,
 Ёхуд андар ҳафт кишвар ҳеч жое бар нахост.
 Аз мазоҳи аҳли олам мардуми кам жуй аз онки,
 Ҳаргиз аз қошонаи каркас Ҳумое бар нахост.
 Мил дар чашми амал каш то набини дар жаҳон,
 Ки зи жаҳон ториктар зиндонсарое бар нахост.
 [Жаҳон яратилгандан бери жаҳон аҳлидан вафо кўпмаган,
 Яхши аҳдли киши чиқмаган, бирор яхши ошно кўпмаган.
 Ҳузурдан нишон қолмай, қон бўлиб эзиласан киши мудом,
 Ўзинг билан ўзинг бўл, агар вафоли бир ҳамдам топмасанг.
 Ё раб, бизнинг юртда ахир вафо чиқмасми энди сира ҳам,
 Қайда, ахир у етти иқлимнинг бирортасида ҳам кўринмас.
 Инсон зотининг табиатидан излама вафо хислатин сен,
 Ҳеч қачон қалтакесак уйдан бахт қуши – Ҳумо кўпмаган.
 Бундай жаҳонни кўрмаслик учун кўзингга мил торт, кўр бўл,
 Ки бу жаҳондан ҳам қоронғироқ бир зиндонхона бўлмаган].

Гапнинг қаймоғи шуки, Дониёл *оталиқ* қўлга киритган ҳосилидан қиблагоҳга арзимаган нарса берди. Қиблагоҳим Маъсумхон у ердан байтуллоҳ сари юзланди. Анча йўлларни босиб ўтгач, Ҳисор вилоятига кириб борди. Ҳисор мирлари эшоннинг қадамини муборак билиб, ҳар бири ўзига яраша мулозимат кўргузишди. У ердан чиқиб, дарёдан кечганча Ҳазрат Имом¹³³³ мавзесига тушди. Ўша ерда оғир касалга йўлиқиб, беморлик ўриндиғида ётиб қолди. Чунки, азал туғронависи ҳеч кимнинг ҳаётномасига мангу туришлик номини ёзмаган ва мавжудотлар сувратининг наққоши ҳаёт нақшини эҳтимоллик саҳифаларига тақдир қалами билан «юздан бошқа ҳар бир нарса ҳалокатга маҳкумдир»¹³³⁴ сўзларидан бошқасини рақам қилмаган ва азал қорхонаси Тикувчиси ҳеч мавжуднинг вужудини туганиш усулисиз тикмаган, қудрат саройчасининг Фарроши гўзаллик шамини бирор офатнинг учқур шамолидан бекитиқча ёқмаган. **Байт:**

То фалак меъмори ин маъмура шуд бехор ҳам,
 Як гули шоди ба боғи зиндағони кас наёфт.
 [То фалак бу уйни обод айлагандан буён ҳеч,

¹³³³ Ҳазрат имом мавзеи – Амударёнинг сўл соҳилида жойлашган вилоят.

¹³³⁴ Қуръони карим, 3:180.

Шодон бир гулни ҳаёт боғида ҳеч ким кўрмаган].

Бу барча татиб кўрадиган бир шарбат ва ҳаммининг елкасига тушадиган оғир бир юкдир. Бу яранинг марҳами сабрдан ўзга нарса эмас, бу касалнинг давосига чидашдан бошқа чора яроқсиздир.

Байт:

Сабури зарурист к-ин дарди дилро,
Ба ғайри сабури давое набошад.
[Сабурий сабр даркор бу дил дардига,
Чун сабрдан бошқа даво йўқдир унга].

Ўша табаррук манзилда бир ҳафта нотавонлик тўшагида ётиб, 1250/Сунбула ойининг ўнинчисида/1834 йили 1 сентябр файзли руҳи бу даҳр хокдонидан борлиқ этагини йиғиштириб, жаннат боғлари сари юз тутди. Муаллифдан, **таърих:**

Таърихаш аз хирад чу намудам савол, гуфт:
«Овард рў ба марқади Маъсум тўра нур»
[Санасин сўрасам ақлдан, ул деди:
«Нур Маъсум тўра гўри сари юзланди»].

Амир Насруллоҳнинг катта қўшин билан Шаҳрисабзга юриш қилгани зикри

Амир неча бир ҳашамат ва дабдаба билан отланиб, мақсад сари юзлангач, анча йўл босиб, Қаршидан Шаҳрисабз томонга тахминан тўрт фарсах масофада жойлашган Кабутархона мавзесига келиб тушди. Ул мавзеда оғир касалга дучор бўлиб, юришга мадори қолмади. **Байт:**

Қалам ба талхи ва ширини, ба сар рафтааст,
Агар турш биншини қазо чи ғам дорад.
[Қалам аччиғу чучук сари тикмиш бошин,
Агар тақдиринг аччиқ бўлса у нени ёзсин].

Ноилож, бир неча кун ул заминни қурултойга айлантирди, бироқ, қараса иш ўнгланадиган эмас. Дониёл *оталиқ* билан ярашиб, Бухоро томонга қайтди.

1250/1834 йили жаноб қиблагоҳим саййидлик паноҳи эшон Султонхон хўжа шайхулислом иситма касалига йўлиқиб, саккиз кун нотавонлик тўшагида ётди. Масиходам табиблар аларни даволашга қанчалик тиришмасинлар фойда бермади. Панжшанба куни аср намози пайти Сунбула ойининг ўн иккинчисида мазкур йилда¹³³⁵ бу даҳр хокдонидан этак силтаб ва ҳақ чақириғига «лаббайка» айтиб, охират сари юзланди. Вафоти таъриhini оғам мавлоно Ҳозик назм ипига шундай терган эди. **Таърих:**

Осмон рух ба хоки ҳасрат суд,
Гуфт: «афсус мурд Султонхон».
[Осмон юзини ҳасрат тупроғига суриб,
Деди: афсус ўлди Султонхон].

Ул ҳазрат олийжаноб ва ҳалол бир хўжа эдилар. Шеър илмида маҳоратли бўлиб, туркий ва форсийдаги назми равон оқар сувдек эди. Учта девон тартиб бергандилар. Табиатида ошиқ пешалик ва дарвешлик бор эди. Умрини доимо лола юзли гўзаллар ва сарвқомат маҳвашлар суҳбатида ўтказарди. Бу байт ул жаноб ўткир зехнининг маҳсулидир, **байт:**

Ба фикри миёнаш чунон нест гаштам
Ки дар сатҳи як му мураббаъ нишастам.
[Ингичка бели ўйида шу белдек кўринмай қолдим,
Бир тола сочдек жойда чордана ўтириб олдим].

Алқисса, фақир бир пайтнинг ўзида ҳар иккала қиблагоҳдан айрилиб қолдим. Бошимда на ҳуш ва дилимда на сабр қолди. Ўша кезлари бу байт доимо тилимдан жорий бўларди. **Байт:**

Зи рафтани ту ман аз умр бе насиб шудам,
Сафар ту карди-ю, ман дар ватан ғариб шудам.
[Сен кетиб аслида мен бўлдим ҳаётдан бенасиб,
Сафарга чиққан сен, лек мен бўлдим юртда ғариб].

¹³³⁵ Панжшанба куни аср намози пайти Сунбула ойининг ўн иккинчисида мазкур йилда - 1250/1834 йили 2 сентябрга тўғри келади.

Амир Насруллоҳ менинг бу аҳволимдан хабар топиб, ўз ҳолимга қўймай, вазирлик паноҳи Ҳаким қўшбегини ўртага қўйганча дуоғўйлик учун ҳузурига чақирди. Фақир ушбу байтни ўқиганча қанчалик узримни айтмайин, фойдаси бўлмади. Ахир демишлар, **байт:**

Касе ки ёфта дар кунжи фақр ганжи қаноат,
Таважжухе ва саре бо шаҳу вазир надорад.
[Фақр бурчагида қаноат ганжини топган одам,
Қиё боқмас шоҳу вазирга, уларда не иши бор].

Алқисса, анча гап-сўзлардан сўнг амир Насруллоҳ мен томон ошнолик назари билан боқиб, ўша куниси кашмирий шолдан тикилган хос тўни ва ўзининг заррин салласини тилло жабдуқли хос оти билан бирга қўшиб менга юборди ва «ҳар кун уч мартаба олдимга келсинлар» деб буюрди. Фақирнинг уйи арқдан анча олисда бўлиб, кўпинча, кун қисқа пайтларда ҳар уч намозни ҳам Арқда қолиб ўқишимга тўғри келарди. Чунки, уйга келиб кетишга сира фурсат қолмасди. Хуллас, бошқа ўзим каби дин аҳлидан олдинга ўтиб олиб, Бухоро амирларининг ҳам чексиз ҳасад ўқиға нишон бўлиб қолдим. Демишлар, **байт:**

Ва ин ҳасад қоидаи дерин аст,
Он дард ки дармон нопазир аст.
[Бу ҳасад дегани жуда эски одат,
У тузалмайдиган бир оғир дард.)

Очиғи, ўзим ҳам бу каби меҳрибонликдан безор бўлган эдим. Қай йўл билан ул азобли иззат-икромдан кутулишни билмасдим, лекин, барибир, бунинг чорасини секин-аста излай бошлагандим. **Байт:**

Ту коре куни ки дар домаш наафти,
Ки афтоди тапидан маслаҳат нест.
[Сен тузоғига тушмасликка урин,
Тушдингми, типирчилаш бекор].

Султонларга хизмат қилиш ўта хатарли иш ва қийин мулозимлик эканини билсам-да, бу юмушга рози бўлгандим. Ахир, донолар айтишича, ақлли одам ҳеч қачон қуйидаги уч ишни қилмаслиги керак – биринчиси султонлар ёнида хизмат қилиш, иккинчиси захарни синаш мақсадида татиб кўриш, учинчиси хотинлар сўзига амал қилиш ва ичингдаги сирни ўзгаларга очиш. **Байт:**

Зи подшоҳ вафо жустан он қадр бошад,
Ки меваҳо талабад кас аз шоҳи сарви сиҳи.
Ниҳоли бед туро найшакар нахоҳад дод,
Ҳазор бор гар жуйи хулдаш об диҳи.
[Подшоҳдан вафо истамак, билсанг у баробар
Бермаганидек мева ҳеч қачон сарви санобар.
Тол дарахтида унмас шакар қамиш ҳеч замон
Жаннат сувидан суғорсанг-да бермас у шакар].

Ўша даврда гўзаллик ва назокатда етук бир ўспирин бор бўлиб, исми Носиржон эди. Бухоро шаҳрида ўсиб-улғайганди. Эшон Султонхон ул пари қоматли йигитга дили боғланиб, на тунида ҳаловот ва на кундузида роҳат бор эди. Гоҳида ўғринча йигитни олиб келиб, тонг отмасдан уйига олиб бориб қўярди. Эндигина яхши суҳбатлар қура бошлаган маҳал марҳум эшон кўч-кўлонини орқалаган кўйи охират сари кетди. Жаноб нақиблик паноҳи Тўра хўжа *нақиб* ҳам ул чиройли юзликка кўнгил бериб қолди. Аммо, ул вақтда ўспириннинг довудий товуши ўзгариб ва юсуфлик жамоли бузилиб, олмадек сақоғи беҳидек буриша бошлаб, ҳусни бозорининг равнақи сўнган ва гул юзини қора чизиклар лашкари вайрон қилган эди. Илгари ёнида бўлишни орзу қилганлар энди унинг ёнидан четлаша бошладилар. Аммо, айрим ошиқлар мазҳаби наздида ўша сабза чизиклар асл ҳусннинг айни ўзидир. Эшон *нақиб* ул мазҳабга амал қилиб, мазкур сарвиқоматга қаттиқроқ кўнгил берганди. Ул танноз маҳваш ёди билан худди ўтга тушган соч толаси каби жизғанак бўларди. Амир Насруллоҳ ҳам гоҳида оқшомлари ул бебок болани ёнига олиб кетарди. Амир унинг эшон *нақиб* билан ошиқона саргузаштларидан хабар топиб, болага *нақиб*нинг уйига боришини таъқиқлаб қўйди. Тўра хўжа *нақиб* амир Насруллоҳ билан рақиб бўлиб қолганини билиб, хайрат денгизига чўмди. Ўша кезларда Эшон *нақиб* билан амир Насруллоҳ ораси шундоғам яхши эмасди. Бухоронинг фатҳ этилиб, амир Насруллоҳ қўлига киришининг асосий сабабчиси жаноб *нақиб* бўлган эса-да, улар орасида нечукдир бир совуқлик бор эди. Иттифоқо, *нақиб*нинг бир ғуломбаччаси бўлиб, улар ўртасидаги ошиқ-маъшуқлик васл сабабчиси эди. Бир куни Эшон *нақиб* ўтирганда, амир Насруллоҳнинг маҳрами келиб, ҳалиги ғуломбаччани сўроқлай бошлади. Сабаби ул ғуломбаччани жазолаш ҳақида ҳукм

чиққан экан. Нақиб ақлу фаросат юзасидан асли муддао нимадалигини англади. *Нақиб*нинг шижоат ва ҳиммат бобидаги таърифини ёзсак, бу саҳифалар юзига сиғмайди. Ана шундай хислатларга эга *нақиб* ғуломга қараб «бориб амир Насруллоҳга менинг унинг сўзини ҳеч қачон кўтара олмаслигим ва рухсат берса, шаҳаридан чиқиб кетишимни айт» деди. **Мисраъ:** Бегуноҳон далер мебошанд (Гуноҳсиз одам ҳеч нарсадан кўркмайди); Маҳрам *нақиб*дан бу сўзни эшитгач, тезда амирнинг олдига борди ва бўлиб ўтган гапни амир арзига етказди. Амир Насруллоҳ дарғазаб бўлди, аммо, аслида бу иш амир учун бир баҳона бўлгани учун дарҳол кетиш рухсатномасини битиб бера қолди. *Нақиб* ўша кунисиёқ Бухородан чиқиб, Тошканд йўли орқали Хўқанд сари юзланди. Анча йўл юргач, манзилга етди. Муҳаммадалихон мода билан учрашди. Бироз муддат ўша ерда туриб, қараса, бу замонда Хўқанд шаҳрида гавҳар билан хармуҳра (лой кўзмунчок)нинг баҳоси бир хил. **Мисраъ:** Ин тарозу сангу гуҳарро баробар мекашад (Бу тарози тош билан гавҳарни бир хил ўлчайди); Ноилож бўлиб, Муҳаммадалихон модадан рухсат олиб, Ўрус вилоятига кетди. Анча масофаларни босиб ўтгач, ул вилоятга кириб борди ва ўрус халқи кофир бўлишларига қарамай, эшоннинг хоки пойларини куфр аҳли кўзларига сурма қилиб суртди. Бир неча кун ўша ерда йўл уқубатларидан фориғ бўлиб, ҳордиқ чиқарди. Шундан сўнг Хоразм томонга йўналди. Бир қанча манзилларни босиб ўтгач, Урганжга етишди. Оллоҳқулихон эшоннинг қадамини муборак билиб, муносиб бир ҳовлига туширди. Бир неча муддатдан сўнг ҳаж ва ҳазрат пайғамбаримизнинг – *алайҳи ва ала олиҳи ва асҳобиҳи ас-саловот ват-таслимот* қабрлари зиёрати ҳаваси кўнгилга келиб, 1255/1839-40 йили байтуллоҳ сафарининг эҳромини боғладилар ва ҳазрат хонаи каъба сари юзландилар. **Байт:**

Манам, ки қофила солори корвони ғамам,
Мусофири раҳи саҳройи меҳнату аламам.
[Мен эрурман ғам карвонининг сорбони,
Йўл мусофири-ю, алам қасрин саройбони].

Анча йўлларни орқада қолдиргач, Техрон¹³³⁶ шаҳрига кириб борди ва бу хабарни Муҳаммадшоҳ эшитиб, аларға катта иззат-икром кўргузди. Жаноб *нақиб* бир неча кун давомида ҳордиқ чиқариб, йўл азобларидан қутулгач, мақсад сари юзланди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Харбут шаҳрига етиб олди. У ердан Байт томонга бормоқчи бўлиб турганда, ҳаёти паймонаси тўлган экан қазо ёқасидан ушлаб, олдинга бирор одим отишига йўл бермади. Бир неча кун ғариблик тўшагида ётгач, 1255/1839-40 йили борлиқ кўчини бу тупроқ уйдан йиғиштирди ва ҳақ чақириғига «лаббай» деб жавоб бериб, охират сари йўналди. **Қитъа:**

Фарёд зи дасти фалаки бебокам,
Овора бикард гардиши афлокам.
Оё зи кадом чашма нўшам даме об,
Оё ба кадом беша бошад хокам.
[Уятсиз фалак дастидандир фарёдим,
Овора қилди у, шундандир бу додим.
Қай чашмадан ичсам экан бирпас сув,
Қай ўрмон, даштда қолар экан қабрим].

Амир Насруллоҳнинг Шаҳрисабзга лашкар тортгани зикри

1251/1835-36 йили амир Насруллоҳ Нурото¹³³⁷ йўли орқали Самарқанд сари йўлга тушди. У ердан ўтиб, икки кўчдан сўнг бир тоғлик орасига тушдик. Бу ердан на сув бор ва на егулик нарса бор эди. Бу бийдек тоғлик ҳажга кетишда кўрганим Рум Анадўлисидаги тоғларни эсимга солди. Бирор соатдан сўнг амир одамларни олдига чақирди ва рўйхат қилиб, ўспирин ва маҳрам ясовуллардан ўн кишининг Бухорога қайтиб кетишига рухсат берди. Улар боши қотиб ва хайрон ҳолатда қайтиб кетдилар. Амир Насруллоҳ эса Нуротонинг бир кўчлик ерига бориб қўш ташлади. У ерда менга чексиз сийловлар кўргузди ва ўша мавзедан Самарқанд сари йўлга тушдик. Самарқандга етишгач, лашкарга тааллуқли ва тобеларнинг барчаси бир ерга тўпланиб, тайёр туришлари борасида буйрук берди. Ўн кундан сўнг барча лашкар аҳли йиғилиб, Самарқанддан чиққан кўйи катта кўшин билан тоғ йўли орқали Шаҳрисабз сари йўналдик. Шаҳак ва Томи Темур йўлини орқада қолдириб, Даргон Жиза мавзесида қўш ташладик. Эртаси куни у ердан қўзғалиб, Китоб шаҳрининг ярим фарсахлик шарқий қисмида жойлашган Хайробоод қишлоғига тушдик. Эртаси куни амир Насруллоҳ бухоролик

¹³³⁶ Техрон – бугунги кунда Эрон ислом республикасининг пойтахти.

¹³³⁷ Нурото – Навоий вилоятидаги Нурота туманидаги шаҳар. Шаҳар дастлаб Х-асрда Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асарида “Нур” шаклида (шу ердаги машҳур “Нур” чашмаси номидан) тилга олинган.

лашкарнинг жувонғор томонидан ва Самарқанд сипоҳининг ювонғор томондан жангга киришлари ҳақида буйруқ берди. Ва ул лашкар денгизи жанг сари юзланди. У томондан Дониёл *оталиқ* укалари билан Шаҳрисабзнинг барча лашкарини йиғиб, Хўжақиймоқ мавзесида урушни кутиб турди. Ниҳоят, икки тараф қўшини бир-бирига ташланди ва ноқора-ю, карнай ва кабур товушлари замин у осмонни ларзага солиб, Исрофил *алайҳиссалом* сурнайининг белгисини намоён қилди. Жасур жангчилар ҳамласининг учқур шамоли довюраклар ҳаётининг чироғини ўчирди ва паҳлавонлар қиличининг шўъласи шижоатли аскарлар умри хирманига ўт ташлаб куйдирди, зумрад рангли шамширлар гавҳари ўлганлар қонидан қизил ёқут рангини олди, олмос асарли ханжарлар йиқилганлар қонидан Бадахшон лаъли тусига кирди. **Шеър:**

Зи хуни ялон санг шуд лаългун,
 Равон шуд ба руйи замин жўйи хун.
 Ба ҳар сў сари сарвари номжўй,
 Ба майдон дар афтода монанди гўй.
 [Жасурларнинг қонидан тош лаъл тусин олди,
 Ерга оққан қонларидан ариқлар тўлиб қолди.
 Ҳар ён ётарди бир қаҳрамоннинг боши думалаб,
 Човгон коптоклари энди каллалардан бўлиб қолди].

Фақир қарасам, муҳориба бозори ота фарзандни, фарзанд отани танимас даражада қизибди. Жанггоҳ ўртасида жуда баланд бир тепалик бўлиб, унинг устида «Гулгунпўш Ото» деб аталувчи мазор бор эди. Фақир яхшилаб ўйлаб қарасам, ўша ердан яхшироқ тамошогоҳ ва кўрқинчсиз жой йўқ! Дарҳол тезлик ва чакқонлик билан ўша мавзегга чиқдим. Ҳақиқатдан ҳам тамоша учун бутун ер юзи хирожини йиғиб берсалар ҳам унга ўхшаш бошқа тамошагоҳ ва хавфсизроқ жойни топиш амри маҳол эди. Фақир отдан тушиб, бир ўзим чордона қурганча иккита қўшиннинг урушини кузатиб ўтирдим. Гулгунпўш Отонинг атрофи юз бор гулгун пўшлар қонидан гулгунпўшроқ бўлди. Аммо, ғалаба насими эса ҳеч бир томондан эсмаётган эди. Амир Насруллоҳ ўрдусида унинг ёнида хизматда турган беш-олти нафар маҳрамдан бошқа бирон зот кўзга чалинмасди. Ўша чоғда жувонғор томондан кенагас баҳодирлари мардлик намунасини кўрсатиб, бир ҳамла билан шундайкўтарилиб келишдики, манқит сипоҳи озод майдон доирасидан чиқиб кетди. Сўнг яна шовқин-сурон кўтариб, зўрға ўз жойларини қайта эгалладилар. Уруш ва жанг муддати олти соатга чўзилди. Шундан сўнг ҳар икки томондан сардорлар ва ясовуллар жанг ўртасига кириб, неча бир қийинчилик билан икки қонли денгиз тўлқинини бир-биридан ажратдилар. Мен ҳам дарҳол тепадан пастга тушиб, ўрду томон кетдим. Амир Насруллоҳнинг чодирига етсам, амирнинг бир ўзи жойнамоз устида ўтирибди. Бир нечта маҳрами эса тайин этилгани бўйича олдида қўл қовуштириб туришибди. Фақир бориб салом бердим. Ёнига ишора қилди. Ўтирдим. Амир Насруллоҳ «нима, урушни тамошо қилиш учун кетганмидилар?» деб сўради. Фақир жавобида «ҳа соҳиб, давлатларидан шундай бир тамошо кўрдимки, ҳеч бир замонда бундайини ҳеч кимса кўрмаган бўлса керак» дедим. Амир айтиб беришимни сўради. Фақир барча кўрганим воқеани бир-бир ҳикоя қилиб бердим. Роса кулди. Шу гап-сўзлар билан бўлиб турганимизда, устига гулгун чакманлари ёпилган *туғчилар*нинг мурдаларини кўтарган кўйи ёнимизга келтириб қолишди ва улар учун жаноза ўқишга машғул бўлдик. Аср вақтигача қирқ нафар амалдор мурдаси устида жаноза ўқидик. Кейин мен ўзимнинг чодиримга қараб кетдим. Шом вақтигача яна қанча жаноза ўқилганини била олмадим. Эртаси куни амир у ердан кўчиб, Хўжа Исфизор¹³³⁸ мавзесида қўш ташлади. Сарбозлар бечора шайхларнинг уйларини шипшийдон қилиб талашди. Улар ёққан олов тутуни билан бирга ерлик аҳолининг ҳам оҳ дудлари осмону фалакка ўрлади. Фақир зиёрат учун шу ердаги мазорга бордим. Қарасам, маҳвашларнинг сабза чизигини эсга солувчи яшил майсалар ўзбеклар самандлари туёғи остида аёвсиз топталган эди. Ёмон аҳволга тушдим. Кўнглим беҳузур бўлди. Масжидга кирдим ва икки ракат нафл намозини адо қилдим. Намоз адосидан сўнг қарасам, бир мулло минбар бурчагида яшириниб ўтирибди. Нима гаплигини сўрадим. У эса «ажаб бир дардсиз одам экансиз. Молу мулк, хотину бола-чақамизни зўрлаб олиб кетаётган бўлсалар, хонумонимизга ўт қўйишган эса, ўзим ҳам ўлим хавфида бекиниб ўтириган бўлсам. Бундан ҳам баттарроқ аҳвол бормикин дунёдаки, Сиз бу ҳақда тағин сўраб ўтирибсиз. Ахир ўзингиз инсоф билан айтинг, бу не кўргулик ўзи?» – деб жавоб берди оғир изтироб ичида.

Алқисса, беш кун деганда Бухорога кириб бордик. Амир Насруллоҳнинг шу зайл одамларни қурбонликка юбориши жонимга шу даража тегиб, юрагимни ҳовучлаб қолган эдимки, ортиқ

¹³³⁸ Хўжа Исфизор – Хўжа Аспароз номи билан машҳур. Китоб туманининг шарқидаги қишлоқ.

хизматида қолмасликка аҳд қилдим. Шунингдек, шу тобда саёҳат хумори яна кўнглимда қаттиқ ўрнашган ва ҳаж муҳаббати тағин дилимда ниш урган ва у томонлардаги дўстлар ёди қаҳрабодек мени ўзига тортаётган эди. Ўзимча байтуллоҳ иродасига жазм қилиб, амир Насруллоҳдан неча бир азоб ва қийинчилик ила Ҳаким *қўшбеги* воситасида уни ҳам жонидан безор қилавериб, жавоб олдим. Сўнг йўлга тушиб, Қарши вилоятига келдим. Ўша пайтда Қаршининг ҳокими Аёзбий эди. Ўртамизда эски ошно-оғайничилик ришталари бўлиб, бечора бир неча кун олий меҳмондорчиликлар қилди. Ўша аснода менинг келганимни кўзлар нури Султон Маҳмудхон ва азиз тағойим Дониёл *оталиқ* ва Хўжақули *парвоначи* эшитиб, кетма-кет хат юборган кўйи «келиб, бизларни бир кўриб кетсинлар» дейишдан чарчашмади. Аёзбий ҳам ўз ҳолимга қўймай, Шаҳрисабзга кетишимга ҳаракат қилишдан тинмади. Ниҳоят, Шаҳрисабз сари равона бўлди. Дониёл *оталиқ* ўзида йўқ даражада хурсанд бўлиб, Сиз жанобнинг ўтганларингиздан қолган барча мулкларни бераман, деди. Биз ҳам йўқ демадик, шу ерда яшаб қолишга кўндик. Аммо, кейин билсам буларнинг бариси алдовдан ўзга гап эмас экан.

Байт:

Хуш аст аҳду муҳаббат ба дўстон бурдан,
Вале чи суд ки он аҳдро бақое нест.
[Дўстлар билан аҳду паймон не хуш эрур,
Вале на фоида ул аҳда бўлмаса вафо].

Чунки, бироз муддат шу зайл ўтгач, гапнинг сираси бу томондан чиқиб қолди. Дониёл *оталиқ* ҳаё пардаси ортида ўтирган қизларидан биттасини Султон Маҳмудхонга бераман деб, бу борада бир неча марта Муҳаммадалихон модага маслаҳат солиб, унашиш тўйини ўтказиш ҳақида одам юборганди. Ул аммора нафсга маст эса ҳеч қандай жавоб бермаган эди. Дониёл *оталиқ* Муҳаммадалихон мода иттифоқлигидан воз кечиб, амир Насруллоҳ томонига ўтгач, Султон Маҳмудхон Дониёл *оталиқ*қа куёв бўлишдан бутунлай умид узганча, кўлини ювиб, кўлтиғига уради ва Шаҳрисабзни тарк этишга қарор қилиб, кетишга рухсат сўрайверади. Аммо, *оталиқ* кетишга қўймайди. Султон Маҳмудхон эса айтиш учун бирор сабаб рўй бермаганидан, ичидаги аламли сирни унга айтишга ийманиб юраверади. Мен Бухородан Шаҳрисабзга келганимдан сўнг бир куни Султон Маҳмудхон оғам мени ёнига чорлаб, бу сирни очди ва сўнг деди: «Сиз менга қариндош ва жигарбандсиз. Қандай йўл билан бўлмасин менга Дониёл *оталиқ*дан куёвлигим борасида бирон бир жавоб олиб бермасангиз бўлмайди». Камина чуқур ўй гирдобига ботдим. Ниҳоят, бўйин эгиб, нима бўлса бўлсин, деганча шу масалада Дониёл *оталиқ* ҳузурига йўл олдим. **Байт:**

Поси хотир дори, мардум маро дилгир кард,
Эй қиёмат зуд бархез ин ҳама таъхир чист?
[Эсингда бўлсин, одамлар дилим ранжитди,
Эй қиёмат, тез кўзғал, намунча кечикдинг?]

Гап орасида уч мартаба шама ва тагдор қилиб, ҳалиги мавзуни Дониёл *оталиқ* эсига солдим. Аммо, у сўзим маъносини илғаса ҳам худди билмаганга ўхшаб, гапни бошқа ёққа бураверди. Ниҳоят, сабрим чидамай «Сиз ўзбексиз, шунинг учун Сизга ўзбекча қилиб, гапнинг устини очиб сўзламасам бўлмайдиган кўринади. Зеро, нимага шама қилганимни била туриб ҳам ўзингизни эшитмаган қилиб кўрсатдингиз» дедим. *Оталиқ* роса кулди ва «шамалар орқали билдирмоқчи бўлган муддоингизни жуда ҳам яхши англаган эдим. Аммо, нима қилай, ахир. Олти йил давомида Муҳаммадалихон номард билан яхши иттифоқчи бўлиш умидида манқит билан ёвлашиб келдим. Бироқ, ундан ҳеч бир манфаат кўрмадим. Ҳали ҳам бўлса ўша ёвлашганим манқитдан манфаат кўриб турибман. Чунончи, олти кўрғонимни қайтариб, менинг ихтиёримга топшириб қўйибди. Мана энди биз қандай қилиб Сизнинг Султон Маҳмудхонингиз учун манқит билан тузган аҳду паймонимизни бузар ва бу яхшиликни унутиб, манқит амирининг душмани билан куда бўлар эканмиз? Ўзингиз яхшилаб мулоҳаза қилиб кўринг ва сўнг албатта адолатли ҳамда жўяли жавобингизни беринг» деди. Фақир Дониёл *оталиқ*дан бу каби жавобни эшитгач «Сизнинг бу сўзингизга ҳеч ким «йўқ ё ҳа» деган жавобни бера олмайди. Биз ҳам бу ишнинг баҳридан ўтдик. Султон Маҳмудхонга лозим жавобни бераман» деб ўрнимдан туриб, Султон Маҳмудхон олдига келдим. *Оталиқ*нинг жавобини батафсил айтиб бердим. У ҳам бу тўғри гап муқобилида бирон эътироз билдира олмади. Жим бўлиб қолди. Бир куни Дониёл *оталиқ* мени овлоқ жойга чақириб, деди: «Мен ва Сиз ва Султон Маҳмудхон учаламиз биргаликда Муҳаммадалихон модага хат ёзайлик. Агар олий бир тўйлик юборса ва амир Насруллоҳ билан ёвлашса, мен қизимни укаси Султон Маҳмудхонга бераман». Мен ҳайрон бўлиб «у ҳолда амир Насруллоҳ билан тузган аҳду паймонингиз нима бўлади?» дея сўрадим. *Оталиқ* жавобида «эшонжон, на мунча соддасиз – ҳийлаи шаръий қилмоқчиман» деди. Фақир келиб бу гапни Султон Маҳмудхонга етказдим. Иккаламиз биргалашиб хат ёздик. Дониёл *оталиқ* яна бировга буюриб хат ёздирди. Шоҳмуродбий валинаъми томонидан бир вақтлар *мирохурлик* учун берилган муҳрни топиб, бошқа

бир одамига ўша мухрни бузиб, бошқача шаклда хат остига босишни буюрди ва у ҳам айтгани каби иш тутиб, *оталиқ* ана шу каби неча бир ҳийла-найранг воситасида хатни шаръий қилди ва Хўқандга жўнатди. **Байт:**

Раҳи талбис агар инсон кушояд,
Шайтон роҳи хомуши намояд.
[Инсон агар васваса йўлин очар бўлса,
Шайтон унинг олдида ип эша олмай қолади].

Бир неча кундан сўнг фақирнинг амакаси эшон Муҳаммад Саидхўжа *нақиб* катта дабдаба билан тўйлик келтираётгани, аммо, буни амир Насруллоҳ эшитиб қолиб, уларни Самарқанддан Бухорога олиб кетиб қолгани ҳақидаги хабарлар етиб келди. Ўша аснода амир Насруллоҳ томонидан тезликда бир чопар етишиб, унинг қуйидагича кинояли сўзларини келтирди: «Нима гап ўзи, аҳду паймонлар қаёққа кетди?» Дониёл *оталиқ* бу сўзларни амир чопаридан эшитган ҳамона сира ҳам бўйнига олмай «менинг бу нарсадан мутлақо хабарим йўқ, бу ишни ҳожи Ҳақимхон ва Султон Маҳмудхон менга билдирмай қилишибди, менинг хабарим бўлганда, уларни албатта бу ишдан қайтарган бўлардим» деб туриб олди. Биз эса *оталиқ*нинг бу сўзларини эшитиб, ҳайратдан донг қотиб қолдик ва таажжублар қила-қила роса хохолаб кулдик. **Байт**(Ҳофиздан):

Мушкиле дорам зи донишманди мажлис боз пурс,
Тавба фармоён чаро худ тавба камтар мекунамд.
[Мажлис донишмандига битта саволим бор,
Тавба буюрувчиларнинг ўзи нега кам тавба қилишади¹³³⁹].

Бир неча кундан сўнг Бухородан эшон Муҳаммад Саидхўжа *нақиб* келиб, султон Маҳмудхоннинг уйига тушди. Хуллас, амир Насруллоҳ ва Муҳаммадалихон мода ва Дониёл *оталиқ* ораларида анчагина аччиқ-чучук гап-сўзлар бўлиб ўтиб, гина-кудурат таъналари тўхтамади ва охири 1251/1835-36 йили амир Насруллоҳ Шаҳрисабз томонга лашкар тортишга қарор қилди. Бундан биз ўз вақтида хабар топиб, урушга пухта тайёргарлик кўрдик. Амир Насруллоҳ анча йўл босиб ўтиб, Самарқандга келди ва у ердан Жом йўли орқали юриб, Китоб шаҳрига икки фарсахлик ердаги Қўйқонёғоч мавзесида қўш ташлади. Эртаси куни икки томон ўртасиди элчилар борди-келдиси бошланиб, яраш сўзи орага солинди. Натижада, ул ардоқли қизни Султон Маҳмудхонга бермаслик, бошқа икки қизидан бирини амир Насруллоҳ никоҳига киритиш ва яна бирини эса амирнинг ўғлига хотинликка бериш ҳамда илгариги аҳду паймонни янгилаб, унга кўра Муҳаммадалихон билан дўстлик иплари узилиши лозимлиги шарти билан сулҳ тузиладиган бўлди. Бу шартни Дониёл *оталиқ* қабул қилди ва қайтадан аҳду паймон шартномаси битилди. Амир Насруллоҳ шу билан Бухорога қайтиб кетди ва бу томондагилар тўй тайёргарлигини кўришга тушишди. Бир неча кундан сўнг Иброҳимбий манқит Бухородан тўйлик келтирди ва амир Насруллоҳнинг вакили сифатида иккала қизни ҳам ҳижоб ичига олган кўйи чексиз иззат-икром билан Бухоро сари юзланди. Бир неча кундан сўнг эса ардоқланган мазкур қизни Султон Маҳмудхоннинг ақду-никоҳига киритдилар ва жуда бир олий тўй бердилар. **Байт:**

Маснадороёни давлат хостанд,
Мажлиси ақду никоҳ оростанд.
[Давлатнинг тахтин безовчилари,
Никоҳ тўйини ясатмоқни исташди].

Бир неча муддат шу зайл кечгач, кейинроқ, амир Насруллоҳ Бухоронинг кўплаб амирларига ёрғу¹³⁴⁰ буюриб, бошларига ўлпон солиғи солди. Шу жумладан, вазирлик паноҳи Ҳақим қўшбеги ва Аёзбий ва Шукурбий ва ҳақозолар катта ўлпон тўлашга мажбур бўлдилар. Гапнинг қисқаси шуки, ўша вақтда Аёзбий Қаршида ҳоким эди. Самарқандда Шукурбий ҳокимлик қиларди. Ҳақим *қўшбегини* вазирлик мансабидан тушириб, Қаршига ҳоким қилиб юборди. Аёзбийни эса Самарқанд ҳукуматида тайинлаб, Шукурбийни Бухорога чақириб олди. Қирқ кундан сўнг Аёзбийни ҳам Самарқанд ҳукуматидан бўшатиб, Бухорога олиб келди, ўрнига эса Иброҳимбий манқитни Самарқанд ҳокими қилиб юборди. Ҳақим *қўшбегини* Қарши ҳукуматидан четлатиб, Нуротога ҳоким қилиб юборди. Бир неч кун ўтгач, у ер ҳокимлигидан ҳам бўшатиб, Бухорога чақириб олди. Ўша вақтда вазирлик мансабида Ҳақим *қўшбегининг* ўрнига Раҳмонберди махзум туркман ўтирган эди. Амир Насруллоҳ ул амирлик паноҳларини бир ерга йиққач, уларни қамоққа олишга буйруқ берди ва барчасининг молу мулкани бир қолдирмай мусодара қилдириб, давлат ҳисобига ўтказди. Уларнинг

¹³³⁹ Ҳофиз Шерозий ғазалидан.

¹³⁴⁰ Ёрғу – молу мулкнинг мусодара қилиш усули.

хотин ва бола-чақалари бор-будидан айрилган кўйи бош очик ва оёқ яланг Бухоро кўчаларида изғиб юришарди. Ётоқ-турар жойсиз қолган ул бечораларни ўз уйига киритадиган бирор кимса топилмасди. Кейинроқ амир Шукурбийни қамокдан чиқарди, аммо, ул икки амирлик паноҳи, яъни Ҳаким қўшбеги ва Аёзбийни қамокда ўлдириб юборди. Ҳа, ҳикмат аҳли ўз сўзларида подшоҳларни ўт-оловга ўхшатишган – шоҳлар иноятининг нури бечораларнинг қоронғу кулбасини ёритган бир маҳалда, улар сиёсатининг шўъласи ўтмишда хизмат қилганларнинг ҳаққи-ҳурмати хирманини ёндириши ҳеч гап эмас. Етук ақллар шунга иқрорки, ким ўтга яқинроқ борса, унга етмоқчи бўлган зиёну зарар эҳтимоли шунча ортади, аммо, узоқдан туриб олов нурини кузатувчилар эса куйиш хавфидан йироқдирлар. Шунингдек, саройдан узоқдаги одамлар бу хавфдан беҳабар подшоҳларга хизмат қилишни манфаат кони билиб, ёлғон тасаввурларга алданадилар. Албатта, уларнинг бу каби фикр юритишга ҳақлари бор. Чунки, агар улар султонлар сиёсати ва подшоҳлар ҳайбатидан заррача воқифлик топсалар эди, шубҳасиз бундайларга минг йиллик иноятнинг бир соатлик сиёсатча йўқлиги маълуму равшан бўларди. Подшоҳлар суҳбатида бўлишни хоҳловчилар уларнинг сиёсат-итобидан беҳабар бўлганлари сабабли шунга интиладилар. Бундай сиёсатни ўз кўзи билан кўрганлар эса ҳар қандай иноятдан воз кечадилар ва подшоҳлар хизматида бир лаҳза туришни ўзларига эп кўрмайдилар.

Ҳаким қўшбеги тўрт подшоҳ даврида қирқ йил вазирлик мансабида ўтирди. Умри муддати олмиш олти ёш бўлди. Давлат мансабдорлари орасида Ҳаким қўшбеги каби доно ва сезгир ва маданиятли киши йўқ эди. Айниқса, киши қадрини билишда унга тенг келадигани бўлмаган эди. Бироқ, ҳайф ва минг афсуски, ҳар тўқисда бир айб деганларидек, шунча яхши хислатларига қарамай, у ҳам Дониёл *оталиққа* ўхшаб ваъдасида турмасликка мойил киши эди. Гапнинг қисқаси, ўша вақтда шиа мазҳабли асли эронлик Абдусамад *ноиб* Бухорога келишдан олдин Эрон шоҳзадаси Аббос Мирзо¹³⁴¹ хизматкорларидан бўлиб, унинг хизматидан қочганча Ҳиндистонга борган ва бир неча муддат жаннатга менгзир Ҳиндистон ўлкасида умр кечириб, у ердан Кобулга амир Дўст Муҳаммадхон хизматида келган эди. Мазкур амир унга лойиқ меҳрибонликлар кўргузиб, сарбозлар ва тўпчиларни тайёрлаш ишини топширганди. Чунки, Абдусамад *ноиб* шу соҳа мутахассиси бўлиб, анча тажриба ва маҳоратга эга эди. Оз фурсатда сарбозлар таълимини йўлга қўйиб, тўпхонани яроқли ҳолатга келтирди. Ниҳоят, Дўст Муҳаммадхон билан бирга ... уруши сари юзланди. Аммо, бу урушда Дўст Муҳаммадхонга қарши бир хоинлик қилиб, сўнг ундан кўрққанидан қочиш кўйига тушди ва бир неча йўлларни ортда қолдириб, Бухорога келди. Келиб карвонсаройда турганида, бир неча кундан сўнг Раҳмонберди махзум туркман вазирлик мансабига чиқди ва унинг ҳолидан хабар топиб, амир Насруллоҳга айтди. Амир *ноиб*ни олдириб, анча меҳрибонликлар кўргузди ва сарбозу тўп ва тўпхона ишларига назму тартиб бериш вазифасига тайин қилди. Абдусамад *ноиб* сал вақт орасида сарбозлик ва тўпхона ишларини йўлга қўйди. Бухорода битта қул қолмай, барчаси эгалари қўлидан қочиб келиб, сарбозликка кирдилар. Шу зайл минг нафар сарбоз ва тўпчи йиғилган эди.

Мазкур Раҳмонберди махзум вазирлик вазифасини бошқаришга киришгач, Бухоро шаҳри аҳолисининг турмуши жуда оғирлашиб, одамлар писта пўчоғининг бир палласини топиб есалар, дўпписини осмонга отиб, кун кечирадиган даражага тушиб қолишди. Бу вазир шу қадар маҳмадана ва ўзбилармон эдики, иблисни ўзининг ақлсиз хизматкорларидан бири ўрнида биларди. Ул вазир бир неча кун бу ўткинчи дунё гулистонида гулҳаё сингари кеккайган олам аро очилиб-сочилиб турди ва кўп ўтмай ўлим насими ҳаёт гулини ана шу яшнаб-гуллаётгани асносида сўлдирди.

Амир Насруллоҳнинг қўшин билан ўз қаромоғидаги Балх вилоятига бориб қайтгани зикри

1253/1837-38 йили амир Насруллоҳ Бухоро лашкари билан куббат ал-ислом¹³⁴² Балх томон йўналди. Анча йўл юриб, Омуй дарёси қирғоғига етиб, соҳилда қўш ташлади. Шаҳарлар онаси Балх ҳокими эшон *нақиб* саййид Порсохўжа ва Шибурғон¹³⁴³ ҳокими Зулфиқор Шер ва Мазори шариф¹³⁴⁴ ҳокими Шужоиддинхон ҳаммаси келиб, амирга кўруниш бердилар. Амир Балхда қирқ йил амирлик мансабида ўтирган эшон *нақиб* саййид Порсо хўжани ўғли эшон *ўроқ* билан бирга ушлатиб, Бухорога

¹³⁴¹ Фатҳалишоҳнинг валлиаҳд ўғли Аббос Мирзо ноиб ас-салтана кўзда тутилмоқда. Аббос Мирзо 1787 йил туғилган, 11 ёшида валиаҳд сифатида Озарбайжон ҳукмдори бўлган. Рус-Эрон урушида армияга кўмондонлик қилган Аббос Мирзо 1828 йилги сулҳдан сўнг Хуросонга генерал-губернатор этиб тайинланган эди. У отасидан бир йил олдин, яъни, ҳ. 1249(1834) йили вафот этиб, унинг ўғли Муҳаммадмирзо эса Фатҳалишоҳнинг валлиаҳди этиб тайинланади.

¹³⁴² Куббат ал-ислом – ислом гумбази.

¹³⁴³ Шибурғон/Шибирғон – Афғонистоннинг Жузжон вилояти маркази. Балхнинг ғарб тарафида, Мозори шариф билан Андхуд/Андхой ўртасида жойлашган қадимий шаҳар бўлган.

¹³⁴⁴ Мазори Шариф – Афғонистоннинг Балх вилояти маркази.

юборди ва эшоннинг молу мулкани мусодара қилдириб, давлат ҳисобига ўтказишни буюрди. Сўнг дарёнинг нариёғига кечиб ўтиб, Балх томон юрди. У ердан асадуллоҳи-л-ғолиб Али ибн Аби Толиб *карамulloҳилважҳ*нинг файз асорли мазорига бориб, бу муқаддас даргоҳнинг тупроғини тўтиё ўрнида дардли кўзига сурди. Зиёратдан сўнг яна Бухоро сари қайтишга жазм этиб, анча йўл юргач, Бухорои шарифга етиб келди ва давлатхонасига кўш ташлаб, ҳордиқ чиқаришга киришди.

Дўст Муҳаммадхон баракзайнинг ҳукумат тепасидан тушгани зикри

Амир Дўст Муҳаммадхон Кобулистон ўлкасида шоҳлик ноқорасини чалиб ўтирган ва шоҳ Шужо ал-мулк ибн Темуршоҳ дурроний¹³⁴⁵ қайта-қайта Дўст Муҳаммадхон ғози устига юриш уюштириб, ҳар гал енгилиб юрган кезларнинг бирида сўнгги марта фарангий лашкари билан Кобул сари юзланди¹³⁴⁶ ва ўғли шоҳзода Шопурни эса бир неча минг аскарга қўшиб, Хайбар усти билан жўнатди. Бу хабарни эшитган Дўст Муҳаммадхон ғози урушга ҳозирлик кўриб, тайёр турди. Бироқ, ўша чоғда Кобул амирлари, айниқса, хизматидаги қизилбошиа жамоасининг шерикликда тил бириктириб, сотқинлик йўлига ўтганликларидан воқиф бўлди. Айни шу аснода Жалолободни шоҳ Шужо ал-мулк фаранг қўшини билан бирга фатҳ этгани ҳақида хабар келди. Эртаси куни чопар уларнинг Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг пойтахти – Ғазна шаҳрини эгаллашгани хабарини олиб келди. Ўша пайтда Дўст Муҳаммадхон ғозининг соҳиби шамшир ўғли сардор Акбархон Хайбарда эди.

Рўй берган кутилмаган воқеалардан: Ул шерюрак шаҳзода бетоблик тўшагида ётган эди. Бу сардор ҳам тан заифлиги сабабли қаршилиқ қилишга кучи етмай, Хайбар қалъасини ташлаб чиқиб, қочиш водийси сари юзланди ва келиб отасига қўшилди. Амир Дўст Муҳаммадхон ўй ва фикр денгизига чўмиб, қандай тадбир излаб топишини билмай қолди. Ноилож, оиласини Туркистон томонга жўнатди ва ўзи Кобулдан ташқари чиқиб, жанг майдони сари отланди. Бироздан сўнг [Аргандаҳ] мавзесига келиб тушди. Бу пайтда фаранг қўшини олти фарсах масофа яқин келган эди. Эртаси куни амир Дўст Муҳаммадхон жанг майдонига фарангилар қони билан ҳино қўйиб, қизил рангга бўямокчи бўлиб турганида, кутилмаган бир суратда қўшини бузилиб, ҳар ким боши оққан томонга кета бошлади. Дўст Муҳаммадхон иш ўз меъёр чегарасидан чиққанини сезди ва неча бир дарду ҳасратда молу мулкдан кўнгил узиб, минг кишиси билан Туркистон сари йўлга тушди. Амир Дўст Муҳаммадхон Кобулни ташлаб чиққач, Шужо ул-мулк жуда тезлик билан Кобулга кириб олиб, ички Болоҳисор қўрғонига чиқиб, жаҳонга эгалик қилиш ўриндиғига суянди ва Кобул мамлақати келинчагини учинчи марта қаттиқ бағрига босиб, ҳукм суришга машғул бўлди. Фаранг лашкари эса шаҳар ташқарисига кўш ташлади. Фаранг қўшининг сардори Вали Ямжий (Вилям)¹³⁴⁷ бўлиб, у

¹³⁴⁵ Шужо ал-мулк – (? -1842 й. 5 нчи апрел) - Афғонистон шоҳи (1803-09, 1839-42). Акаси Маҳмудшоҳни тахтдан ағдариб ҳокимиятни эгаллаган, лекин 1809 й. Маҳмудшоҳ томонидан тахтдан туширилган. Шужо ал-мулкнинг тахтни кайтариб олиш учун қилган бир неча бор уринишлари (шу жумладан, 1833-34 йилларда инглизлар ёрдамида) натижасиз тугаган. Биринчи инглиз-афғон уруши даври (1838-42)да инглизлар Шужо ал-мулкни афғон тахтига ўтказганлар. Мухолифатдаги гуруҳлардан бирига мансуб шахс томонидан хоин сифатида ўлдирилган.

¹³⁴⁶ Бу ерда сўз биринчи инглиз-афғон уруши (1838-1842) ҳақида кетмоқда. Бу урушнинг баҳонаси 1837 йили поручик Виткеевични рус резиденти сифатида Кобулга Дўст Муҳаммадхон ҳузурига юбориши билан боғлиқ. Дўст Муҳаммадхон узок йиллар Англия маъмурияти томонидан қўллаб келаётган Шужо ал-мулк билан Афғонистон тахти учун кураш олиб борар эди. Англия Виткеевич сафоратини Россиянинг Афғонистонда мустақамланиши ва у ердан Ҳиндистонга дахл қилиш учун ҳаракат деб баҳолади. 1839 йили январда уруш амалиётлари бошланди. Инглиз ва ҳинд лашкарида 12 минг аскар, 38 минг нафар ёрдамчи кучлар, 30 мингта туя бўлиб, улар Афғонистонга Боланд довони орқали бостириб кирадилар. Дўст Муҳаммадхон эса уларга икки ярим мингнафар пиёда ва 45 та тўп билан қарши чиқади. 25 апрел босқинчилар урушсиз Қандаҳор ва Кобулни эгалладилар. Ғазни остонасида афғонлар инглиз ва ҳиндлар қўшинига биринчи қаттиқ зарбани бердилар. Дўст Муҳаммадхоннинг ўғли Ҳайдархон раҳбарлигида уч миг нафарлик гарнизон қалъани химоя қилиб, ахйри 7 август таслим бўлдилар. Кобул тахтига Шужо ал-мулк ўтирди. Дўст Муҳаммадхон тоғлар томон чекинади. Икки йилдан сўнг барча афғон ашрофлари ва зодагонлари раҳбарлигида рўйхушлик кўрмаган Шужо ал-мулкка қарши кўзғалон бўлиб, 2 ноябр Кобулдаги барча инглизлар, жумладан Александр Бернс ўлдирилди. Инглизлар афғон қабилаларининг бошлиқлари билан чекинишга йўл беришлари учун музокаралар олиб боришади. Бу музокаралар чоғида Уильям Макнотен ва унинг ёрдамчилари ўлдирилди. 1842 йил январь ойида инглиз ва ҳинд қўшини Кобулдан Жалолободга у ердан тоғ йўли орқали Ҳиндистонга қайтаётганда кириб ташланди. 16 минглик лашкардан (улардан 4 минг нафари ҳарбийлар бўлган) фақатгина бир нафар – духтур Брайдон тирик қолади. Инглизлар бунга жавобан иккита жазо экспедициясини юборишади. Улардан бири Кветтадан Қандаҳорга, иккинчиси Жалолободдан Кобулга келишади. 16 сентябрь 1842 йили Кобул ишғол қилинди. Англия афғонларнинг қаршилигини макр ва хийла ҳамда пул ва сотқинлик йўллари билан бостириб, Афғонистонни бутунлай босиб олиш фикридан воз кечади. Тахтга қайта келган Дустмуҳаммад энди Россияга яқинлашмай, Англия билан тинчлик шартномани имзо чекди. Яна қаранг: Дўст Муҳаммадхон.

¹³⁴⁷ Вилямжи – Уильям Макнотен, амир Шужо ал-мулк даврида “мухтор вазир ва элчи”. Британия ҳукуматининг Ҳиндистондаги котиби. 1841 йил 23 декабр Дўст Муҳаммадхоннинг ўғли Акбархон томонидан отиб ўлдирилган.

эгаллаб турган мансабни «Лот Жангий»¹³⁴⁸ деб аташарди. У ҳам мамлакат устидан бемалол ҳукм юргиза бошлади. Ҳа, олам яралишидан бери ва фалак ясалиши бошидан жаноб тенги йўқ ва қодир эгам бу ўзгарувчи оламини меҳнату уқубат макони ва машаққату бузғунчилик маскани қилиб яратганки, башар халқининг ҳар бирини тақдиру қазо йўлида яхши ва ёмон имтиҳонидан ўтқариш мақсадида гоҳи тиллолик қадрини мукаммал қилиш учун муштини тугиб, ўткинчи дунёнинг бу махлуқоти вужудини ўтга солиб синайди ва гоҳи яратилганнинг худодан огоҳлигини билиш ниятида ҳар хил қийинчиликларга гирифтор қилади. **Қитъа:**

Чунин аст ойини ин чархи дер,
Гаҳе бар забар дорадат, гоҳ зер.
Якero дар орад ба ҳангомаи тез,
Якero бигўяд зи ҳангома хез.
[Бу эски фалакнинг қоидаси шундай,
Гоҳ осмонга кўтарар, гоҳ урар ерга.
Бировни қизгин ҳангомага солар,
Яна бировни ундан қувиб солар].

Тақдирнинг ҳар бир замонда мақсади султонлар ва донгдор хоқонлар бошига синов солиб туришдир. Энди бу синов фалак иқтидорли шахриёр амир Дўст Муҳаммадхон ғози чекига тушган эди. Кажрафтор фалакнинг бу каби ўзгарувчанлигидан ушбу янглиғ бевафолигидан кейин бир неча масофаларни босиб ўтгач, ул яхши хулқли амир Хулм¹³⁴⁹ вилоятига етди. Ўша пайтда Хулм юртида Муҳаммадаминбек *воли* ибн Қилич Али ҳукм юргизарди. Дўст Муҳаммадхон ғози ташриф буюрганини эшитиб, кутиб олиш учун олдига ўзи чиқди ва икки тараф бир-бирларини марҳамат оғушига олдилар. У шоҳни ўзи билан бирга шаҳарга олиб кириб, яхши бир уйга туширди. Амир ғозининг қадамини қут-баракат манбаси билиб, мулозимлар каби хизматида турди. Дўст Муҳаммадхон ғози бир неча кун шу шаҳарда жанг чарчоғи ва йўл ҳордиқларини чиқариб, дам олди. Ўша чоғда Қундуз¹³⁵⁰ ҳокими бўлмиш Муҳаммадмуродбек қатағон Дўст Муҳаммадхонни ўз вилоятига таклиф қилди ва унинг ҳаққида турли-туман меҳмондорчиликлар адо этиб, жуда эъзоз-икром кўргузди. Дўст Муҳаммадхон бу сафардан сўнг яна Хулмга қайтди. Айни пайтда амир Насруллоҳдан ҳам кетма-кет чопар келиб, Бухоро амири Дўст Муҳаммадхонни кўп ваъдалар ва чексиз аҳду паймонлар билан ҳоли-жонига қўймай, ўз юртига чақираётган эди. Аммо, афғон амирининг фарзандлари отасининг ул ўзбек амири олдига боришини маъқул кўрмай, қарши чиқмоқда эдилар. Аммо, амир Дўст Муҳаммадхоннинг ўзи бўлса боришга жуда хуши бор эди. Ниҳоят, оиласини шу ерда қолдириб, ўғиллари ва мулозимлари билан Бухоро сари йўлга тушдилар. Анча йўлларни ортда қолдиргач, ул яхши хислатли амир дарёдан кечиб ўтиб, манзилу мақсадга етиб олди. Дўст Муҳаммадхоннинг келганини эшитган амир Насруллоҳ ўзининг бир нечта амирини меҳмонни олиб келишга жўнатди. Амирлар уни тўла иззат-икром билан шаҳарга олиб кирдилар ва амир меҳмонни ўз ҳузурига Аркка чорлади. Дўст Муҳаммадхон Аркка кирганида, амир Насруллоҳ у билан ўтирган кўйи кўл бериб кўришди. Оғам Дўст Муҳаммадхон кейинчалик менга «ўша вақтдаёқ ҳаётимдан кўл ювиб, кўлтиққа урган эдим» дея ҳикоя қилиб берганди. Шундан сўнг бошқа шоҳзодалар ҳам амир билан кўл бериб кўришдилар ва ўтириб, барчалари фотиҳа ўқидилар. Сўнг амир Насруллоҳ Дўст Муҳаммадхонга қараб «хуш келибсиз» деди. Дўст Муҳаммадхон «хушвақт бўлинг» дея жавоб қайтарди. Бироздан сўнг амир Насруллоҳ «энди кўшга борсинлар, яна кўришамиз» деди. Дўст Муҳаммадхон амир Насруллоҳ олдидан чиққач, уни эшон Тўра хўжа *нақиб*нинг уйига туширдилар. Орадан бир неча кун ўтиб, икки ўртада кечган суҳбатларда амир Насруллоҳнинг афғон амирига берган ваъдалари устидан чиқмаслиги билина борди. Бу борадаги кейинги музокаралар боши берк тор кўчага кириб қолди. Дўст Муҳаммадхон юраги сиқилиб, асаблари таранглашди ва қараса, барибир, уринишлари бефойда бўлиб, иш битмайдиган. Дўст Муҳаммадхон амир Насруллоҳнинг уни бу ерларга чақиртириб келганидан асл мақсади кўзлаган бошқа режалари бўлганини англаб, бунга қаттиқ ишонч ҳосил қилди. **Мисраъ:** Метавон ёфт зи унвони сухани мазмунро (Сарлавҳасидан сўз маъносини англаб олса бўлади); Шунга кўра афғонлик томиридаги ор-номус қони кўпириб, қаттиқ-қаттиқ сўзлар билан кетишга рухсат олди ва Эрон томон

¹³⁴⁸ Лот Уильям Макнотеннинг котиби бўлган.

¹³⁴⁹ Хулм – ўрта асрларда Тохаристонга тобе бўлган қадимий шаҳар. Балхнинг шарқий тарафида, Амударёдан 6 фарсах нарида, Ҳиндукуш тоғидан оқиб келадиған Хулм сойи бўйида жойлашган. XVIII асрда Хулмнинг жанубий-шарқида Тошқўрғон шаҳрига асос солинган, у Ҳиндистондан Бухорога келадиған савдо йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик Хулм аста-секин таназзулга учраб, XIX асрнинг иккинчи ярмида ташландиқ ҳолга келган.

¹³⁵⁰ Қундуз – Афғонистоннинг шу номдаги вилоятнинг маркази.

йўлга тушди. Шунда амир Насруллоҳ ўзининг энг яқин *надим*ларидан бирига Дўст Муҳаммадхонни кузатиб, дарёдан ўтказиб келишни буюрди. **Байт:**

Коре ки ба сулҳ дар наояд,
Девонаги дар ў бубояд.
[Яраш билан битмаса гар иш,
Унда жиннилик қилиш лозим].

Дарё бўйига етишиб, дарёдан кечиб ўтмоқчи бўлишганда, қайиқчи тузук қайиқни бир чеккада қолдириб, уларга бузук қайиқни кўрсатди ва «амирнинг ёлғиз ўзлари чиқсинлар, бошқалар алоҳида-алоҳида ўтишади» деди. Дўст Муҳаммадхон бу воқеани зимдан кузатиб тураркан, қайиқчининг бу ҳаракатидан шубҳага тушди ва бу яримта коса тагида улкан тоғора яширинганини фаҳмлади. Шу ҳадик ичида Дўст Муҳаммадхон амир Насруллоҳнинг ҳалиги *надими* кўлидан ушлаб, бузук кема ичига тушди ва «иккаламиз дарёдан бирга ўтамиз» деди ҳеч нарсани сезмагандек. **Байт**(Саъдийдан):

Кишти шикастагонем эй бод шурта бархез,
Бошад ки боз бинем он ёри ошноро.
[Кемаси бузилганлармиз, кўзгал эй шамол,
Кўргумиздир ул ёру ошнони биз эҳтимол¹³⁵¹].

Кемачи қараса, амир Насруллоҳнинг ул содда ва гаранг *надими* Дўст Муҳаммадхондан олдинроқ дарё наҳанги ва балиқларига ем бўладиган. Шунинг учун туркий тилда *надимга* қарата «тез чиқинг, бўлмаса ғарқ бўласиз» деди. Эроннинг туркий тилини жуда яхши биладиган Дўст Муҳаммадхон кемачининг бу сўзларини эшитиб, чакқонлик билан қайиқдан дарё қирғоғига сакради ва сувдан четга чиқиб олди. **Байт:**

Нишастаи бар лаби дарёйи ҳасрат ришта бар даст,
Нояд моҳии мақсуд инжо, боз дар шаст аст.
[Ўтирибсан дарё бўйида, кўлда ҳасрат ипидан тўр,
Мақсад балиғи тушмас бунда, бу ерда лочин қалмоқдадур].

Дўст Муҳаммадхоннинг яна Бухорога қайтиш шаштини сезган одамлари бундай қилмаслигини ёлвориб сўрай бошлашди. Амир уларнинг илтижосини қабул қулоғи билан эшитмади. Яна ўғиллари ва мулозимларини ёнига солиб, Бухоро томон қайтди. Айни паға-паға қор ёғиб турган пайтда неча бир азобу уқубат ва машаққат билан йўл юриб, Бухоро шаҳри ташқарисига келиб тушди. Ўшанда амир Насруллоҳ яқинларидан бўлган ва Дўст Муҳаммадхонга ҳамроҳлик қилиб юрган бир киши сўзни яширинлик пардаси ортидан чиқариб, очиғини айтди: – Эй шоҳ, бизнинг амиримиз чангалидан кутулиб кетаолмайсиз. Ёшингиз улғайиб, сочингизга оқ тушган. Бир умр давлатни ҳам, молу-дунёни ҳам хўб кўрган одамсиз. Энди қазову қадарга тан бермоқ лозим. Ахир қачонгача ва қай вақтгача қочиб юриш мумкин? **Мисраъ:** Қазо дигар нашавад бо ҳазор нолаву оҳ (Минг нолаву оҳ билан тақдир ўзгармагай); – Қадимгиларнинг гапини эшитмаганмисиз, ахир туркийда айтмишларку, **Мисраъ:** Чикмаган жондин умид, ушбу масалдур машхур! – деди Дўст Муҳаммадхон. Амир Насруллоҳ Дўст Муҳаммадхоннинг қайтиб келганини эшитди ва эртаси куни кишиси орқали «мулозимларига ўша шаҳар ташқарисидаяқ рухсат бериб, тарқатиб юборсин, кейин қаерга борса ўзи билади» деб буюрди. Дўст Муҳаммадхон шундай қилиб ёнидаги минг нафар жасур аскарларига жавоб берди. Улар неча бир йиғи ва оҳу зорлик билан ўз султонидан айрилдилар. **Мисраъ:** Бўлмасун ё раб ки ҳеч банда султонидин жудо; Бу жонбоз ҳарбийлар шу кўйи кимлари тиланчилик қилиб, қайсилари эса мардикорчилик билан кун кечира бошлашди. Ҳар бири боши оққан бирор томонга кетиб, ғарибликда овора-сарсон бўлишди. Дўст Муҳаммадхон буйруққа биноан ўғиллари билан Бухоро ичкарасига кириб, яна аввалги жойга тушди. Бир неча кун шу тариқа кечди. Шундан сўнг амир Дўст Муҳаммадхон ўзининг ва ака-укаларининг ўғиллари ва куёви, бариси ўн саккиз шахзода бўлиб, ёнидаги етмиш нафар кишиси билан қочишга қарор қилишди ва Шаҳрисабз томонга юзланишди. Бир кеча-кундуз йўл юриб, Қарши шаҳрига қарашли жойларга етдилар. Уларнинг келганидан Қарши шаҳри ҳокими хабар топиб, одами орқали «шоҳзодалар амир Насруллоҳдан рухсатсиз келган кўринадилар, шу сабабли Шаҳрисабзга ўтиб кетишларига қаршилик кўрсатишга мажбурмиз» деб юборди. Ҳоким мулозимлари шоҳзодалар олдига бориб, айтилган сўзни етказишди. Шоҳзодалар эса бундай буйруққа қулоқ солишмай, йўлида давом эта бошлашди. Натижада, турк ва афғон орасидаги жанжал кучайиб, шоҳзодалар ҳокимнинг бир нечта кишисини чошиб ўлдирдилар. Бу воқеа хабари Қарши ҳокимига етиб, дарҳол отланди ва шоҳзодалар кетидан етиб олди ва туни билан йўл-йўлакай жанг қилиб кетишди. Аммо, шоҳзодаларнинг ёлланган йўлбошловчиси қочиб кетган

¹³⁵¹ Саъдий Шерозий ғазалларидан.

бўлиб, улар бегона жойда қай тарафга йўл юришини билмай қолишган ва йўлнинг ўзини тусмолга олиб, аста-секин юришдан ўзга чоралари қолмаганди. Шу чоғда Чироқчи ҳокими келиб қолди ва шу билан ўзбек аскарлари сони уч минг кишигача етди. Ўша қоронғу тунда ҳам олишув давом этиб, уруш тўхтамади. Тонгга яқин қолганда Чироқчига яқин Валинаъми тепа мавзесига келиб отдан тушишди. Бир озгина нафас ростлашди ва туннинг зим-зиёлиги тугаб, кундуз лашкари чиқа бошлагач, шоҳзодалар яни адоват қиличини қинидан суғуриб, турк лашкари устига ёпирилдилар. Турклар ҳам афғонлар устига бало-қазодек ташланишди. Яна ўлим бозори шундай қизидики, қазову қадар шоҳу гадони ажалга бир хил нархда пулларди. **Байт:**

Ҳожи, аз мурдан касро чора нест.
Рўза кай дорад гадову подшоҳ.
[Ҳожи, ўлимга ҳеч чора йўқ,
Гадо ва шоҳ қачон рўза тутибди].

Афғонлардан саккиз нафари ўлдирилди. Улар ичида шоҳзодалардан сардор Муҳаммад Азимхоннинг ўғли билан бирга яна бир шоҳзода ҳамда уларнинг олти нафар мулозимлари бор эди. Ўзбек сипоҳидан ўн олти киши ўққа учди. Анча уруш ва жангдан сўнг афғонларнинг ҳаммасини ушлашди. Ўттиз ўзбекка бир афғондан тўғри келган эди. Шоҳзодаларнинг ҳар бирига тўрттадан жароҳат етмагани йўқ эди. Чунончи, оғам олий мартабали шоҳзода сардор Акбархон уч жойидан қилич жароҳатини олган эди. Жаннатга менгзар Кашмир ҳокими сардор Муҳаммад Азимхоннинг ўғли шарқ куёшидек нуроний оғам Султон Аҳмадхон ва Дўст Муҳаммадхоннинг куёви тўрт еридан қилич захмини егандилар ва ҳақозо. Баданлари гулбарглардан ҳам нозикроқ шоҳзодаларнинг ҳар бири хуснда ҳам куёш билан беллашардилар. Жасурликда қудратли фалакка ҳам бўйин эгмасдилар. Мана энди шу кунларга қолиб, яраланган танлари кип-ялонғоч ва бошлари ўзбеклар оти оёғи остида човгон тўпидек думалаган. **Байт:**

Фарёд зи дасти фалаки сифла навоз,
Шаҳзода ба меҳнату гадозода ба ноз.
Сунбул зи бараҳнаги сар афганда ба пеш,
Сад пирахани ҳарир пўшида пиёз.
[Пастларни қўлловчи фалак дастидан дод,
Шоҳзода машаққатда-ю, гадозода роҳатда.
Сунбулнинг яланғочликдан боши эгик,
Пиёз эса қат-қат ипак кўйлак кийган].

Уларни ушлаб қамокқа олишгач, бўлиб ўтган воқеа тафсилотини келиб, амир Насруллоҳнинг арзига етказдилар. Амирдан маҳбусларни пойтахтга юбориш ҳақида буйруқ келди. Ўша пайтда изғиринли киш фасли бўлиб, бу Жаддий ойининг қаҳратон кунларида туф деган тупигинг музга айланарди. Совуқ шиддати ана шу даражага етган чоғи ҳар уч кишини эгар-жабдуқсиз биттадан отга миндириб, устларида бир эгнивошсиз Бухоро томонга юбордилар. Оғам сардор Акбархон ва Султон Аҳмадхон бу аёзли кунларда рўй берган кўргуликлар ҳақида менга шундай ҳикоя қилиб бергандилар: «Қилич зарбидан баданимизда ҳосил бўлган яраларимиздан сизиб оқаётган қон шу захотиёқ музлаб қоларди». Ана шундай азоб уқубатлар остида уларни Бухорога олиб келишди. Арк дарвозаси олдида келганларида ҳаммасини отдан тушириб, амир Насруллоҳдан қандай фармон бўлишини кутган кўйи ташқарида ушлаб туришди. Бухорога дунёнинг етти иқлимидан келган одамлар Регистонда шаҳзодаларнинг бу янглиғ аянчли аҳволини томоша қилишарди. Раҳм ва инсоф кўчасидан ўтганлари шоҳзодалар ҳолига боқиб, абри навбахордек зор-зор йиғлашарди. Мурувват ва ҳимматдан узоқлар эса устларидан масхаралаб кулишарди. Шоҳзодалар эса буларнинг ҳеч бирига парво қилмай, охират сафарини кутиб ўтиришарди. **Байт:**

Рафтани жонро ба чашми худ набинад ҳеч кас,
Ман ба чашми хеш мебинам ки жонам меравад.
[Жоннинг чиққанин киши кўзи билан кўра олмас,
Мен ўз кўзим билан кўрмоқдаман: жоним кетадир!]

Ўша чоғда амир Насруллоҳнинг *надим*ларидан бири чиқди ва «уларни олдингизга солиб хайданг, отаси ёнига олиб борамиз» деди соқчиларга қараб. Бечора ғариб шаҳзодалар бу сўзни ул такаббур зотдан эшитгач, унинг олдида тушганча худди подшоҳлар ўнгида юрувчи тез чопар шотир-хизматчиларга ўхшаб югуриб кетишди. Ул кибру ҳавонинг урғочиси эса от устида неча бир нозу таманно билан ва гўё бу бекасу бенаво шоҳзодаларни гўёки Фарангистон¹³⁵² дан асир тушириб келаётгандек гердайганча келмоқда эди. Шу кўйи Дўст Муҳаммадхон хузурига етдилар. Дўст

¹³⁵² Фарангистон –бу ерда Англия ва инглизларни билдиради.

Муҳаммадхоннинг кўзи ўғиллари ва куёвларига тушиб, уларнинг аҳволини бу тарзда кўргач, дардга тўла юрагидан совуқ бир оҳ тортиб, ҳушидан кетди. Бироздан сўнг ўзига келди ва ўғилларини бағрига босган кўйи йиғлай бошлади. **Байт:**

Ҳар чи расад аз қазо нўш кун, дам мазан,
То ту жадал мекуни кор бадтар мешавад.
[Такдирдан сенга не етса нўш айла, сас чиқарма,
Уни ўзгартираман десанг, ишни баттар қиласан.

Орадан бир неча кун ўтгач, амир Дўст Муҳаммадхон ва сардор Акбархон ва Султон Маҳмудхон шу ерда қоладиган бўлиб, бошқа шоҳзодалар эса амир Насруллоҳдан кетишга рухсат олишди ва Хулм сари йўлга тушишди.

Амир Дўст Муҳаммадхоннинг Бухородан Шаҳрисабз томонга қочгани зикри

Бир неча вақт шу тарзда ўтди. Амир Дўст Муҳаммадхон бундай яшагандан кўра ўлганини афзал билиб, бир йўл кўрсатувчи ёллаб ва бир мулозимини ёнига солиб, ҳийлалар ишлатганча бир амаллаб Бухоро қалъасидан чиқиб олди ва бедов отларга миниб, шундай тезлик билан от чоптириб кетишдики, агар амир Насруллоҳ ўзини ўқдек учар лочинга айлантириб парвоз қилиб, улар кетидан қувлаганда ҳам Дўст Муҳаммадхонга ета олмасди. Бир кеча-кундуздан сўнг тоғлик бир мавзегга етиб келишди. Югуравериш толиққан отларнинг оёқлари буёғига ҳолдан тойиб қолганди. Бахтларига шу ердан карвон ўтиб бораётган эди. Шунга дуч келиб, Дўст Муҳаммадхон ўзини касалга солди ва битта туя кира қилиб, кажавада кета бошлади. Карвон Чироқчининг рўпарасига келган пайтда Дўст Муҳаммадхоннинг мулозими унинг отини етаклаганча йўлбошловчи билан бирга карвондан анча илдамроқ кетиб қолишган бўлиб, тасодифдан шикорга чиққан бир неча чироқчилик сипоҳилар йўлбошловчининг олдидан чиқиб қолишди ва Дўст Муҳаммадхоннинг отини эгасиз кўриб «бу отнинг эгаси қани?» деб сўрашди. Бечора йўлбошловчини ваҳима босиб, ҳаракатлари бежо бўла бошлади. Сипоҳилар эса унинг саволдан ўнғайсизланиб, типирчилаб қолганини сезишди ва ушлаб олишди. Шу тариқа ғавғо кўтарилди. Ўша чоғда бу қутилмаган воқеадан хабарсиз Дўст Муҳаммадхон туядан тушиб, кирага берувчидан бир чўлоқ ва озғин от олиб, шунга минган кўйи аста-секин йўл босиб келаётган эди. Ўшанда Дўст Муҳаммадхоннинг эғнида инсон зоти ҳеч бир замонда ҳам киймайдиган кийим бўлиб, у ўзини касалликка солган ва умрини сўфийликка бағишлаган аслзода киши қилиб кўрсатганча келмоқда эди. Карвондагилар ҳалиги сипоҳилар яқинига етиб келиб қарашса, йўлбошчини ушлаб олишган ва Дўст Муҳаммадхон ҳақидаги гап-сўзлар бўлмоқда. Савдогарлар хайрон бўлиб қолишди. Дўст Муҳаммадхон эса фалакнинг бу ўйинидан таажжубга тушиб, не қилишини билмай қолди. Ўша аснода йўл бошловчининг кўзи Дўст Муҳаммадхонга тушди ва шу заҳоти чироқчилик сипоҳиларга «мана Дўст Муҳаммадхон ҳам етиб келди» деди. Сипоҳилар Дўст Муҳаммадхонни бу аҳволда кўриб «нима, жинни бўлганмисан ёки бизнинг устимиздан куляпсанми» дейишди. Карвондагилар ҳам ул аблаҳни бўралаб сўкишди ва «бу одам касалманд, у айтаётган кишига ҳеч алоқаси йўқ, бунинг ўзи жинни-пиннига ўхшайди» дейишди. Йўл бошловчи аҳмоқ эса ўз сўзини исботлаш учун қасам ича кетди ва қанчалик жон-жаҳди билан «бу одам қочиб, Шаҳрисабзга кетаётган ўша Дўст Муҳаммадхон ахир» демасин, сипоҳилар ул тўғри сўз нодоннинг гапларига ишонмай, қўл-оёғини маҳкам боғлаб, унинг ўзини Чироқчи томонга судраб кетишди. Карвондагилар ҳам сипоҳиларга ўхшаб, комили ишонч билан бу беозор одам ҳечам Дўст Муҳаммадхон бўлиши мумкин эмас, у бир дарвеш одам, деган фикрда эдилар. Хайрият, шу зайл осонгина қутулди. **Байт:**

Касеро ки Эзид ниғаҳбон бувад,
Чи ғам оламе душман бувад.
[Агар сақловчинг бўлса худонинг ўзи,
Бутун олам аҳли душманинг бўлса не ғам].

Карвон йўл юриб, Шаҳрисабзга қарашли ерларга яқинлашганда, Дўст Муҳаммадхон ёлғиз ўзи отини зўр бериб пошнаси билан ниҳталаган кўйи жониворни тез ҳайдашга уриниб кетмоқда эди. Оғам Дўст Муҳаммадхон бу от таърифидан кейинчалик менга кула-кула «бечоранинг номигина от эди, холос, ҳатто сўйишга ҳам ярамасди жонивор» дер ва ўшанда шу отнинг бўлганига ҳам шукроналар қилганча «юртимда бахтсизлик рўй берган чоғлари тулпор отларимнинг коримга ярамай қолган пайтлари кўп бўлган, бу галги бало-қазо гирдобидан чиққан бўлсам, бу ўша от туфайлигина омон қолганим эди» дея қўшиб қўярди. Айтишича, шундан сўнг отнинг тез юрмаётганидан тутоқиб, бир

неча бор отдан тушиб, пиёда юриб кетмоқчи бўлган. Аммо, оёқлари қалтираб, қадам босишга мажоли етмаган. Оғам яна ҳикоя қилганди: «Ўшанда иттифоқан бир жухуд билан йўлдош бўлиб қолдим. Синиқ кўзасида нордон суви бор экан». Дўст Муҳаммадхон жуда чанқаган эди. Чунки, айна Саратон ойи бўлиб, ҳаво жуда қизиганди. Жухуддан бир қултум сув сўради. Жухуд бермади. Дўст Муҳаммадхон ялинаверди. Шунда жухуд аввал ўзи сувдан бир хўплаб, шундан сўнггина Дўст Муҳаммадхонга берди. Дўст Муҳаммадхон бу ҳақда деганди: «Кўзанинг оғзини жухуд сўлагидан қўлим билан артиб тозаладим. Сўнг энди ичай, деб турганимда, жухуд кўзани қўлимдан тортиб олди ва сўкиниб «менинг оғзим ифлос ва ҳаром бўлса, сувим ҳам ифлос ва ҳаромдир, нега ичмоқчисан?» деди. Бу ишимдан жуда уялдим, албатта. Қайтиб бундай қилмасликка аҳд этдим, тавба қилдим, дедим жухуд ҳамроҳимга. Жухуднинг раҳми келиб, яна кўзасини қўлимга тутқазди. Кўнглимга неча бор иймон кўрқинчи келган кўйи ноилож ул жабборнинг ҳаром тупугуни кўшиб, кўзасидаги сувдан ичдим. Шаҳрисабзга қарашли чекка ноҳияларни ортда қолдириб, ям-яшил қишлоқ жойларга етишгач, шаҳарнинг тобе қалъаларидан бири саналмиш Калоншайх мавзесига қадам кўйдим. Икки ракат шуқр намозини ўқидим ва Шаҳрисабз сари кетдим». Ўша пайтда Дўст Муҳаммадхоннинг изидан кира берувчининг ўғли пиёда юрганча етиб келди ва бирга шаҳар дарвозасига яқинлашдилар. Шунда Дўст Муҳаммадхон от жоловини қўйворар экан, силла-мадори қуриганидан оёғида тикка тура олмай, ўзини таппа ерга ташлади. Ўрнидан туришга ҳам сира мажоли қолмаганди. Бироз дам олгач, гавдасини сал ўнглади ва тик ўтириб олди. Бахтига ўша сўлим ерда сафоли бир сақохонна бўлиб, унда бир қаландар халққа сув улашиб ўтирарди. Дўст Муҳаммадхонни бу аҳволда кўргач, ёнига чорлаб «қайси юксак ошиёндан учиб келдингиз ва қаёнга кетиш орзусидасиз, нима касбу-корингиз бор ва аслида кимсиз?» деб сўради. Дўст Муҳаммадхон эса «жаҳон кезган сайёҳман ва дунёни сайр этган қаландарман, ҳозир эса эндигина бу диёрга келиб туришим» дея жавоб қайтарди. Қаландар «Сизнинг сўзлашингиз Кобул шевасига ўхшаб кетади, афғонмисиз дейман?» деб сўради. «Ҳа» дея жавоб берди амир. Шунда қаландар унга боқиб «жаноб амир Дўст Муҳаммадхон борасидаги гаплардан бирон хабарингиз борми? Эшитишимча, Бухоро амири билан келиша олмабдилар. Айна вақтда қандай кун кечириб юрган эканлар-а» деб сўради. Дўст Муҳаммадхон «ҳозир мени қай аҳволда кўриб турган бўлсангиз, унинг аҳволи ҳам худди меники кабирдир» деди. **Байт:**

Чи мепурси мани бахт баргаштаро,
Чу давлат бар афганда саргаштаро.
[Мен бахти қародан буни нега сўрайсан,
Давлати қайтган дарбадардан не тилайсан].

Ўша вақтларда Кобулнинг улуғ кишиларидан Кабирхон исмли бир савдогар бўлиб, бир неча йиллардан бери Шаҳрисабзда ватан тутган кўйи кенагас амирлари билан олди-берди муомаласини қиларди. Амир Дўст Муҳаммадхон киракашнинг ҳали кетмасдан ёнида турган боласини чақириб: – Тез карвонсаройга югур. Ўша ерда Кабирхон исмли бир савдогар бор, унга ҳеч ким билмайдиган тарзда «бир кобуллик қаландар Бухородан келибди, икки қоши ўртасида битта йирик қора холи бор, олдинги бир тиши тушган. Ана ўша қаландар Сизни чақиряпти ва яна, агар қўлида гул бўлса, хидламай, оёғи лой бўлса, ювиб ўтирмай¹³⁵³, тезликда бу томонга қараб йўлга тушсин, демоқда, деб айт, – деди. Ул бола Дўст Муҳаммадхоннинг топшириғига кўра карвонсаройга кетди ва Кабирхонни сўроқлади. Аксига олиб, Кабирхон бир жойга кетган бўлиб, аммо, хизматкори уйда экан. Хизматкор болага эргашиб, йўлга тушди. У ҳам Кобул аҳолисидан бўлиб, Дўст Муҳаммадхоннинг ёнига келгач, ўз шоҳини подшоҳлик либосини ечиб, уладаси чиққан кийимда хурсанд ва дарвешлик қоидасини танлаб, ишқ ташвиши билан маломат аро юрган ҳолатда кўрди. У неча бир андуҳ ила сақохонанинг катта йўли чеккасида қаландарлик либосида чордона қуриб ўтирарди. Шоҳни бу ҳолда кўрганидан ул бечора ўзини йўқотиб қўйди ва ҳушига келгач «Эй шоҳ, қурбонингиз бўлай. Не сабабдан бегона юрт ва нотаниш одамлар ичига тушиб қолдингиз? Нимага тожу тахтни ташлаб, мискинлик ва бенаволик йўлига кирдингиз? Не ўй-фикр билан бу барча азобу машаққатларни ўзингиз учун роҳат-фароғат ўрнида раво кўрмоқдасиз?» деди. Амир юртдошининг бу саволлари жавобида «**Мисраъ:** Ринди оламсўзро бо маслаҳат бини чи кор? (Оламга ўт қўювчи девона риндни ақл билан иш қилувчи билиб нима қиласан?)» деди. Алқисса, ул бечора Дўст Муҳаммадхоннинг оёғига йиқилмоқчи бўлганида амир «жим бўл, бундай қилма» деди. Юртдоши бундан ўзини зўрға ушлаб турди. Амир Дўст Муҳаммадхон унга «қани мени уйинг сари бошла» деди. Ул хизматкор киши сал олдинроқ, амир эса орқароқда минг машаққат ва қийинчилик билан юриб кетишди. Бозор бошидаги болалар амирни

¹³⁵³ Тожик халқи маталларидан – матнда: Дасташ гул бошад набўяд, пояш гил бошад нашуяд; Бу ерда бирон ишнинг тез бажарилишига ишора бўлиб, аслида, одам қўлидаги гулни албатта хидлайди, оёғидаги лойни ювмасдан сира ҳам кўчага чиқмайди ва шунинг учун афғон амири сўзида, мақолга кўра, булардан албатта воз кечиб, тез келиши таъкидланмоқда.

жинни ва телба деб ўйлаб, унга тегишар эдилар. **Миср:** Дўст медоранд тифлон мардуми девонаро (Болалар жинниларни яхши кўришади); Ниҳоят, савдогарнинг уйига етиб олишди ва шу маҳал савдогар ҳам келиб қолди. Амир Дўст Муҳаммадхонни кўра солиб, оёғига йиқилди ва ушбу байтни айтди, **байт:**

Хуш омади ки хуш омад маро аз омаданат,
Ҳазор жони кироми фидойи ҳар қадамат.
[Хуш келибсан, хуш ёқди менга шу келишинг,
Минг азиз жон бўлсин ҳар қадамингга фидо].

Амир Дўст Муҳаммадхон ўша кечаси савдогарнинг уйида озор тортган вужудидан йўл азобларини аритиб, мириққанча дам олди ва эртаси куни кийимларини алмаштириб, Китоб шаҳрига Дониёл *оталиқ* ҳузурига борди. Дониёл *оталиқ* эса амир Насруллоҳ мулоҳазаси юзасидан тил учи сўзлашиб, қўл учи кўришган бўлибди. Ўша маҳал Дониёл *оталиқ*нинг маҳрами келиб, мени *оталиқ* кутиб ўтирганини айтди. Борсам, ҳар икки соҳиби давлат суҳбат куриб ўтиришмоқда экан. Мен ҳам улар ўтиришига бориб кўшилдим. Бироздан сўнг мен билан Дўст Муҳаммадхон иккимизнинг суҳбатимиз қизигандан-қизиди. Бизлар гўё жуда эски ва қадрдон ошнолардек суҳбатлаша бошладик. **Байт:**

Дилро ба дил раҳест дар ин гунбади сипехр,
Аз руйи кина-кинаву аз руйи меҳр меҳр.
[Бу осмон гумбази остида дилнинг дил сари йўли бор,
Адоват истаганга адоват, меҳр деганга меҳр топилар].

Ўтириш бозори анча қизиди. Фақир суҳбат асносида «нима юзасидан амир Насруллоҳ Сиз билан келиша олмади» деб сўрадим. Афғон амири бу саволим жавобиди: – Эй улуғ зот! Фақирингиз неча марталаб ғайридинларга қарши ғазот урушлари олиб бордим. Ниҳоят, ҳадеб устимизга ёпирилиб келиб турган фарангий кофирлар жабридан қочиб, ислом подшоҳи дея, катта умидлар билан амир Насруллоҳ олдига келган эдим. Бор айбим шу бўлди. Бошқасини эса билмаймен. Ахир Султон Маҳмуд Ғазнавий¹³⁵⁴ билан Фирдавсий Тусий¹³⁵⁵ ўртасида бўлиб ўтган можаролар қиссаси¹³⁵⁶ кулоғингизга чалинмаганми? Фирдавсий ул шоҳ ҳажвида демишлар, **байт:**

Агар модари шоҳ бону буди,
Маро симу зар то ба зону буди.
Аё шоҳ Маҳмуди кишвар кушой,
Ки аз ман натарси битарс аз Худой¹³⁵⁷.
[Шоҳ онаси бўлганда эди шоҳбону,
Кўмарди тиззамгача олтин, кумуш ила.
Эй, юрт олувчи Маҳмуд Ғазнавий,
Мендан кўркмасанг худодан кўрк].

Амир бу байтни қайта-қайта ўқир ва кўзидан томчи-томчи ёш оқизарди. Мен эса бундай савол берганимдан пушаймон бўлдим ва амирни не сўз билан юпатишни билмай қолдим. Дониёл *оталиқ* менга ва мен *оталиқ*қа қарадим. Шундан сўнг сўзни бошқа ёққа бурдик. Ўтириш охирлагач, Дониёл *оталиқ* кетишимизга рухсат берди ва амир учун яхши бир хона тайин қилди. Эртаси куни амир мени ўз ҳузурига чорлади ва қиёматлик фарзандим, деб атади. Биз ҳам ул зотни ота, деб атаб, ота-ўғил тутиндик. Эртасига каминанинг уйига Хўжақули *парвоначи* келган эди. Ўша пайтда Дўст Муҳаммадхон фотиҳа учун келмоқдалар, деган хабар келди. Фақир шу сабабли меҳмонни кутиб олиш ишлари устида турганимда эса кўзлар нури Султон Маҳмудхоннинг маҳрами келиб «хон келдилар» деди. Хотиримга жаноб ҳидоят паноҳ Мирзои Жони Жонон¹³⁵⁸нинг ушбу байти тушда. **Байт:**

Зи як суй гул ва зи яктараф пайғоми ёр омад,
Ман он девонаам к-зи ҳар ду сўйи ман баҳор омад.

¹³⁵⁴ Маҳмуд Ғазнавий – Абулқосим Маҳмуд ибн Сабуктегин (967- Ғазна, 1030) - давлат арбоби ва ҳарбий саркарда, Ғазнавийлар давлатининг учинчи ҳукмдори (998-1030).

¹³⁵⁵ Фирдавсий Тўсий –Абулқосим Фирдавсий (940, Тўс,- 1020 ёки 1030, ўша жой), форс-тожик шоири. “Шоҳнома” асарининг муаллифи. Асарини 976 йилдан бошлаб, 35 йил давомида ёзган (иккинчи таҳрири 1010 й. амалга ошган).

¹³⁵⁶ Бу ерда Маҳмуд Ғазнавий топшириғи асосида Фирдавсийнинг машҳур “Шоҳнома” достонини ёзиб, аммо унга шоҳнинг пул бермагани ва пул юборганда эса шоирнинг ўлгани можароси кўзда тутилмоқда.

¹³⁵⁷ Пул бермагани учун Фирдавсийнинг Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси қуллардан эканига ишора тарзида битилган ўттиз икки байтлик ҳажвий шеърини ҳақидаги гаплар машҳурдир. Аммо кейинги пайтларда Фирдавсийнинг аслида бундай ҳажвия ёзмагани, у Маҳмуд Ғазнавийга қарши бой деҳқонларнинг уйдирмаси бўлиб, шоир “Шоҳнома”сининг ҳар еридан бир байт олиниб, бир тизимга терилган қалбаки “асари” бўлганини россиялик олим А.Тоҳиржонов исботлаб берган.

¹³⁵⁸ Мирзои Жони Жонон – шоир, фақиҳ ва файласуф Мир Саййид Шариф Мирзожон Муборакшоҳ назарда тутилмоқда.

[Бир томондан гул келди, бир ёқдан ёр саломи,
Ул телбаманки, икки томондан менга баҳор келди].

Уч соҳиби давлат фақирингизнинг кулбасида сут ва шакар янглиғ бир-бирига қўшилишгач, базмимиз шу даража қизидики, шундан бу кажрафтор фалак рашк ўтида ёниб, кўп ўтмай ул суҳбатдан сира ҳам нишон қолмайдиган кўйи бу иттифоқимизни бузиб юборди. **Байт:**

Мабош эй ғунча аз авроқи гул мағрури жамъият,
Ки ин пайвастагиҳо дар бағал дорад жудоихо.
[Эй ғунча гулзор ичра гулбаргларга мағрур бўлма,
Бу боғланишларнинг ҳали чирт узилиши ҳам бор].

Ул мажлисда кўзлар нури олам аҳли шоҳзодаси Султон Маҳмудхон оғам амир Дўст Муҳаммадхонни ўз чорбоғига таклиф қилди. Эртасига биргалашиб Шаҳрисабзга оғам Султон Маҳмудхоннинг чорбоғига бордик. Ўта гўзал ва сафоли бу чорбоғнинг дарахтлари Сурайё юлдузигача бўй чўзган, катта ариқларида боғнинг ҳар томони бўйлаб сувлар шилдираб оқиб турган ва ҳар ёнида сабзалар барқ урган ва турли-туман рангдаги гуллар очилган эди. Шоир айтмиш, **назм:**

Сабза бедору об хуфта дар ў,
Сад ҳазорон гуле шукуфта дар ў.
Ҳар гуле гуна-гуна аз ранге,
Буйи ҳар гул расида (аз) фарсанге.
[Сабзалар уйғоқ, сув уйқуда,
Минг-минг гуллар очилган.
Гуллар ранги алвон-алвон,
Ҳар гул ҳиди кетар узоққа].

Ўша куниси Эрам боғининг ҳурлари рашк қиладиган даражада бир олий ўтириш-базм барпо қилишди. Тилло эгар-жабдуқлари билан жуда гўзал бир отни ва олий либосларни тайёрлаб турган Султон Маҳмудхон Амир Дўст Муҳаммадхонга «қадамларига ҳасанот» дея топширди. Амир Дўст Муҳаммадхон оғам Султон Маҳмудхоннинг инсонни сийлаш хислатига қойил қолиб, ниҳоятда хурсанд бўлди. Базмдан сўнг амир ўтирган уйига қайтиб кетди. Бизнинг бу ишимиз Дониёл *оталиққа* ёқмади, ҳатто, бундай қилманглар, дея огоҳлантирган ҳам эди.

Амир Дўст Муҳаммадхон ўн олти кун Китоб шаҳрида йўл чарчоқларини ёзиб, хордиқ чиқарди. Шу давр мобайнида ҳар кун ўтириш ўтказиб юрдик. Сўнг, амир фарзандларим олдига боришим керак, дея қаттиқ ўтинаверди. Дониёл *оталиқ* от билан бирга сарупо юборди ва ўзи ҳам келиб хайрлашиб, йўлларни билувчи бир нечта кишини йўл бошловчи қилиб, амирга қўшиб жўнатди. Ўша кетаётган чоғи, амир орқасига қараб-қараб, менга «ўғлим сардор Акбархон ва Султон Аҳмадхоннинг аҳволидан бохабар бўлинг, ҳар қалай у томонда қолишган. Уларни худога топширганман» дея васият қилди. Амирни пайшанба оқшоми Саратон ойининг охирида 1255/1839 (22 июн-22 июл) йили кузатиб қўйдик. Хайрлашув асносида фақирнинг тилидан ушбу **байт** жорий бўлди:

Вақти видои дўст, ба ҳангоми бозгашт,
Эй дида кош аз паси сар мешуди маро.
[Дўст билан хайрлашиб кетиш чоғида,
Эй кўз, қанийди бўлсанг бошим энсасида].

Амир Дўст Муҳаммадхоннинг Шаҳрисабз вилоятидан Кобул томонга кетгани зикри

Алқисса, биз билан хайрлашгач, тез суръатларда Сангардак йўли орқали Ҳисори Шодмон мамлакати ўртасидан кесиб ўтиб, олти кун деганда дарёга етиб ва ундан ҳам кечиб ўтиб, Хулм вилоятига қарашли ерларга етишди. Амир Дўст Муҳаммадхоннинг келганидан Хулм волийси Муҳаммад Аминхон хабар топиб, ўзининг амирлари билан кутиб олди ва тўла иззат-икром билан шаҳарга киритиб, яхши бир уйга туширди ҳамда илгариги сингари хизматига машғул бўлди. **Фалак ўйинларидан.** Амир Дўст Муҳаммадхон келишидан олдинроқ хотин ва бола-чақаларини шоҳзодалар билан бирга қўшиб, укаси сардор Жабборхон Кобулга фарангийлар ҳузурига олиб кетган эди. Амир Дўст Муҳаммадхон эса бу сирдан воқиф эмасди. Сардор Жабборхонга келсак, у ўшанда Бухорога кетмай, амирнинг оиласини қўриқлаш учун қолганди. Амир Дўст Муҳаммадхон Хулмда бу гаплардан хабар топиб, бир неча кун Туркистон йўлларининг азобидан қутулгунга қадар дам олди ва сўнг Муҳаммадаминхон *волий* билан бирга катта лашкарга бош бўлган кўйи ғазовот сари юришди. Бомийн

тоғидаги Бут¹³⁵⁹ мавзесига етишгач, фарангийлар билан урушга киришдилар. Анча жанглардан сўнг ғалаба куфр аҳли сари бўлиб, ислом қўшини чекинган кўйи Хулмга қайтди. Бир неча муддат уруш ва йўл чарчоқларини ёзиб, дам олгач, яна Кобул томонга йўл олди. У шаҳарга яқинлашгач ва амир Дўст Муҳаммадхоннинг келганидан бошқалар ҳам хабар топишгач, Кўҳистон халқининг бариси йиғилишиб, амир Дўст Муҳаммадхон ғози хизматига киришди. Шундан сўнг амир катта кўшин билан бирга уруш майдонига қадам қўйдилар. Душман билан улар орасида бир неча мартаба шиддатли жанглар бўлиб ўтди. Ўша вақтда фарангийлар махфий суратда Кўҳистон халқига жуда кўп бойлик ваъда қилиб, Дўст Муҳаммадхонни тутиб беришларини илтимос қилишди. Натижада, бу одамлар рози бўлиб, амирни тутиб беришга қарор қилдилар ва бу сотқинликни келишувнинг эртаси куни айна жанг пайти амалга ошириб, Дўст Муҳаммадхон ғозини ушлаб, икки кунлик дунёнинг арзимас мол-дунёси учун фарангийлар қўлига топширишни режа қилишди. **Байт:**

Оташ аз чехразарди асари зар надихад,
Дин ба дунё нафурўшед ки дунё дун аст.
[Сарик юзда оташнинг қизил аломати бўлмайди,
Динни дунё учун сотманг, дунё дун, яъни паст нарса)

Эртаси куни ноқора ва сурнай овозлари Кайвон юлдузининг айвонидан ўтгач, амир Дўст Муҳаммадхон томонидан бир нечта қадимий мулозимлар ва жанг майдонининг шерлари кин ва адоват қиличларини яланғочлаб, кофирлар устига ташландилар. Мардлар майдонидан кўтарилган чанг, тез айланувчи осмон сари юқори ўрлаб, офтоб юзини ғубор ниқоби остига яширди. Қилич тили ажал хабарини йигитлар қулоғига шипший бошлади. Ўлим асарли ўқлар паҳлавонларни Бадахшон лаъли каби қизилга бўяб, ялтиратди. Ўткир тигли шамширлар гавдаларни икки бўлиб, бошлардан то киндиккача туширарди. Довюраларнинг жонлари ул тешикдан ташқари чиқиб, охират оламига шошиларди. Айтмишлар, **қитъа:**

Баромад фиғон аз заминун замон,
Даромад тазалзул ба кавну макон.
Зи теғи сарандоз ва тири хаданг,
Ҳаво хунфишон шуд, замин лола ранг.
[Замину замондан чиқди фиғон,
Ларзага тушди кавну макон.
Бош кесар қиличу, камон ўқидан,
Осмон қонталаш, ер лола ранг бўлди].

Шу жангда амир Дўст Муҳаммадхон ғози ўз кўли билан ўн саккиз фарангийни дўзах моликлари қўлига топширганди. Уларнинг иккита сардори – Искандар Бёрнс¹³⁶⁰ ва Тоғтар¹³⁶¹ бўлиб, айна жанг қизиган пайтда амир Дўст Муҳаммадхон Тоғтарга яқинлашиб, келди ва бир зарб билан ул ифлоснинг ифлос бошини нопок танасидан жудо қилди. Амир жанггоҳ ўртасида маст арслон каби бўкириб, ўнг-сўлга ташланган кўйи жанг қиларди. Искандар Бёрнс амирнинг бу довюраллиги ва баҳодирона олишувларни кўриб, унга қарата баланд овозда «эй амир, нега бунчалик ўз жонингизга жабр қилмоқдасиз, ҳозир мусулмонларингиз Сизни ушлаб, бизга топширишади. Сиз жанобнинг шунча чеккан заҳматлари эса бекор кетади» деб қичқирди. Амир Дўст Муҳаммадхон Искандар Бёрнснинг сўзларига кулоқ осмай, Аллоҳ йўлида ислом учун қилич солаверди. Унинг бу мардона ҳаракатлари то порага сотилган мусулмонлар уни ёлғиз ташлаб кетгунга қадар давом этиб, Дўст Муҳаммадхон ислом аҳлидан бу каби мурувватсизликни кўргачгина чопқин ишидан ўзини тийди. Шундагина Искандар Бёрнснинг сўзлари чин юракдан айтилганига ҳам амин бўлди. Чунки, майдонда ёлғиз қолган Амир Дўст Муҳаммадхон ундан юз ўгирган мусулмонлар томонга бориб, ишнинг бузилганлигини кўрди – улар амир ғозини ўртага олишганди. Иш қўлдан чиққани ва ундан ҳам баттар бўлаётганини англаган амир ғози таҳоратини ушатиш баҳонасида улар орасидан чиқиб, бир *надими* билан қочганча, бу бадкирдор сотқинлар балосидан қутулиб қолди. Шу қочган кўйи йўл босиб кетаркан, мазкур *надими* «амир бу томонга юриб, қаёққа борасиз» деб сўради. Амир ғози унга «ҳозирча жим юравер, сени бир ерга томошага олиб бораман» деди. Анча йўл босишгач, тун ярмидан оққанда Кобул дарвозасига етиб келишди. Бу ер душманлар макони эканини билган *надими* кўрққанидан ҳушини йўқотаёзди ва зўрға «қаерга келдик» деб сўради. Амир «жим бўл» деди ва қалъа

¹³⁵⁹ Бомиён тоғидаги Бут мавзеи – Афғонистондаги Қундуз дарёси ҳавзасидаги Бомиён дарёси сохилларида, Бобо тизма тоғларида жойлашган шаҳар. Вилоят маркази.

¹³⁶⁰ Искандар Бёрнс – Александр Бёрнс (А. Burnes 1805-1841 йиллари яшаган). Унинг Афғонистон, Ўрта Осиё ва Эронга саёҳати кундалиги уч жилдда 1839 йили Лондонда чоп этилган.

¹³⁶¹ Тоғтар/Тоғтар – бу кимсанинг шахсияти аниқ эмас.

дарвозасини таққилата бошлади. Дарвозабон эшикни очди. Амир соҳиб эса «мен элчиман, Дўст Муҳаммадхон олдидан келганман, Лотга зарур ишим бор» деди. Бу хабарни Лотга етказдилар. Лот Жангий амир Дўст Муҳаммадхоннинг номини эшитган заҳоти «тез бўлинг, ўша элчини менинг олдимга келтиринг» деб буйруқ берди. Мулозимлар амир ғозини югуртирган кўйи ул кофир олдига келтирдилар. Лот «амир Дўстхоннинг аҳволи қалай» деб, у ҳақида суриштирди. Амир соҳиб эса «амир Дўст Муҳаммадхон Сизга бир хат бериб юборганлар. Агар ул зотни қабул қилсангиз ҳозир ҳузурингизга бошлаб келаман, агар, рад жавобини берсангиз, шу кетишда Эрон мамлакатига ўтиб кетажаклар» деди. Чунончи шоир Сойиб Табризий демишлар, **байт:**

Кори ҳар кас нест, Сойиб, сина бар ханжар задан,
Аз ду сад ошиқ яке бебок меояд бурун.
[Сийнани ханжарга тутиб бермоқ ҳамманинг ҳам иши эмас,
Юзлаб ошиқдан биттасигина шундай қайтмас чиқади].

Лот «хат қани» деб сўради. Амир хатни кўйнидан чиқариб, Лотнинг кўлига берди. Лот хатни ўқишга тушди. Хатнинг мазмуни қуйидагича эди: «Амирлик ва ҳукумат паноҳи Вали Ямжи Лотга маълум ва равшан бўлсинким, сиз билан бизнинг ўртамизда кўплаб уруш ва олишувлар рўй берди. Шунга қарамасдан Сиз бизни бир нача маротиба ҳузурингизга таклиф этдингиз, биз эса рад жавобини бериб келдик. Мана ҳозир олдингизга истакларимни уч шарт билан юбориб турибман: биринчиси шуки, жону молимизга тегмайсиз, иккинчидан, бизни Шужо ал-Мулкка мулозим қилмайсиз, учинчиси шуки, то кўлингиз остида турарканман, ҳар куни канда қилмасдан беш юз ашрафий бериб турасиз. Мана шу уч шартни бажариш борасида ўз динингиз номидан аҳду паймон қилсангиз ва барчасини сўзсиз қабул қилсангиз, ҳузурингизга бораман, йўқса, Эронга кетаман. Бу хат амир Дўст Муҳаммадхон тилидан тўғри ёзилган». Лот мактубни ўқиб чиққач, жуда хурсанд бўлди ва «кел, ахдлашайлик» деди. Амир Дўст (Муҳаммад)хон Лотга ўз динини ўртага солиб, қалин онту қасамлар ичирди ва аҳду паймон маросими тугагандан сўнг «бўлмаса билиб кўй – амир Дўст Муҳаммадхон менман» деди амир. Лот бу сўзларни амир ғози оғзидан эшитгач, хайрат бармоғини тишлади ва бу сўз тўғрими-йўқлигини билиш мақсадида дарҳол *надим*ларини чақирди. Унинг амир Дўст Муҳаммадхонни яқиндан кўрган *надим*ларидан бир нечтаси шодликдан бир-бирини кучиб «амир Дўст Муҳаммадхон шу» дея гувоҳлик беришди. Лот Жангий бошидаги кийимини ечиб, ўзи орқага тисралганча бир неча бор амир Дўст Муҳаммадхонга тикилиб-тикилиб қаради ва роса кўздан кечиргач:

Мешунидам ки марди майдони,
Чун бидидам ҳазор чандони.
[Марди майдон эканинг ҳақида эшитгандим,
Энди кўриб, ундан ҳам минг баробар зўрлигингни билдим]

Лот шуларни деркан, амирнинг ишларига таҳсинлар айтди ва бу воқеани ҳам ўз подшоҳига Лондонга ёзиб юборди. Бутун Фарангистон амир Дўст Муҳаммадхоннинг ботирлиги ва довюраклигига офаринлар айтишди. Бир неча кундан сўнг амир соҳибни хотин ва бола-чақаси билан бирга Кобулдан уч ойлик масофада жойлашган Лўдаяна¹³⁶² вилоятига юбордилар. У ерга етишгач, Инглиз подшосидан «амир Дўст Муҳаммадхоннинг хотини ва бола-чақаси ўша Лўдаяна шаҳрида қолаверсин, амир соҳибнинг ўзи эса Калькуттага келсинлар» деган фармон келди. Калькуттадан Фарангистон пойтахти Лондонгача ўртадаги океан орқали уч ойлик йўлдир.

Гапнинг қисқаси шуки, оғам амир Дўст Муҳаммадхон Калькутта шаҳрига етиб олди. Фарангий сардорлар ул зотнинг ҳурматини жойига кўйиб, иззат-икромлар кўрсатишди. Бир неча кунлардан сўнг Фаранг подшоҳидан яна фармон келди. Унда амир соҳиб Сиёту¹³⁶³ шаҳрига бориб турсин, дейилган эди. Сиёту Лўдиёна вилоятига қарашли шаҳарлардан бири бўлиб, амир Дўст Муҳаммадхон шу Сиёту шаҳрига бориб ўрнашди. Амир ғози туну-кун ҳеч нарсага эҳтиёжсиз яратгувчи даргоҳидан бу олис юртларда узоқ қолдирмай, нажот йўлини кўрсатишни тиларди. Бироз муддат ўтгач, бу дуолари ўқи ижобат нишонига тегди – айна ўша пайтлари Фаранг подшоҳи Лўдаяна ҳокимига «амир Дўст Муҳаммадхонни оиласи ва ўзига қарашли бошқа одамлари билан туғилган юртига кетиши борасида рухсат бердик, ул ҳудудга Лот тўла иззат-икром билан кузатиб кўйсин» деган фармон келди. Бу хабарни эшитган ул вилоят волийси Лот Дўст Муҳаммадхон ҳузурига ошиқиб, воқеани амир арзига етказган кўйи суюнчи сўради. Амир соҳиб қувонч аломатли

¹³⁶² Лўдаяна вилояти – Лудхиана шаҳри, Сатлеж дарёсининг соҳилларида жойлашган бўлиб, Ҳиндистондаги инглизлар маъмуриятининг маркази бўлган.

¹³⁶³ Сиёту – тахминан Симл шаҳри, инглиз мустамлакачиларининг ҳарбий кучларининг маркази.

хушхабарни эшитган заҳоти севинчдан юраги қинига сиғмай, Аллоҳи таолга шукроналар айтди.

Маснавий:

Асирон гар ба ҳақ жуянд пайванд,
Намонад ҳалқаи занжир дар банд.
Гирифторе ки беҳад бар таваккул,
Зи дом ояд барун чун буйи сунбул.
[Асирлар гар ҳаққа қўшилишни исташса,
Занжир халқаси боғланганча турмайди.
Тузоқдаги таваккал қилса беҳад,
Домдан сунбул исидек отилиб чиқса не тонг].

Гапнинг қисқаси шуким, Фаранг улуғлари амир Дўст Муҳаммадхонни катта дабдаба ва ҳашамат билан икки-уч кунлик йўлгача кузатиб келишди ва шундан сўнггина хайрлашганча орқаларига қайтиб кетишди. Амир соҳиб тез суръатлар билан йўл юриб, анча масофаларни босиб ўтгач, Лоҳур шаҳрига кириб келди. У ер подшоси Навнихол Санг амир қадамани муборак билиб, яхши меҳмондорчиликлар кўрсатди. Бир неча кундан сўнг у ердан чиқиб, манзилу мақсад сари йўналди. Анча йўл юргач, Пешовар¹³⁶⁴ шаҳрига етиб келди ва у ер ҳокими ҳам амир шарафига ажойиб зиёфатлар уюштирди. Амир Пешовардан ҳам кўч-кўлонини йиғиштириб, ватани сари юзланди. **Байт:**

Манзили васл чун шавад наздик,
Оташи ишқ тезтар гардад.
[Васл манзили яқин қолгач,
Ишқ олови яна ҳам гуриллаб ёнади].

Хулласи калом, бу хушхабар Кобул шаҳридаги оғам сардор Акбархон ва Султон Аҳмадхонга етишиб, дарҳол афғон улуғлари билан кутиб олиш учун амир келаётган томонга ошиқдилар. Анча йўл юриб, Ғазна шаҳрига тушдилар. Ул тарафдан эса амир Дўст Муҳаммадхон мисоли шарқ қуёшидек Ҳинд қоронғулигидан балқиб чиқиб, фарзандлари ва афғония жамоаси боши узра ўзининг порлоқ нурини сочди. Амир соҳиб оғам сардор Акбархон ва Султон Аҳмадхонни меҳрга тўла бағрига босганча интизорлик кўзларидан ёш томчиларини фавворадек қилиб оқизди. Анчагача ота ва ўғил шу абри навбахордек зор-зор йиғлашган кўйи бир-бирлари бағридан ажрамай туришди. Шу тобда амир Дўст Муҳаммадхон оталик меҳри ва Акбархон фарзандлик эҳтиёжини ана шу тинимсиз кўз ёшлари орқали изҳор қилмоқда эдилар, гўё. **Қитъа:**

Гоҳе падар аз камоли ишфоқ,
Дар руйи писар назар намуди.
Гоҳе писар аз сари тавозе,
Рухсор ба хоки раҳ бисуди.
[Отаси гоҳи мушфиқ бўлиб,
Боласи юзига боқар эди.
Гоҳо ўғли тавозе юзидан,
Юзин йўл хокига босар эди].

Алқисса, уч кун йўл азобларидан кутулиб, ҳордиқ чиқаришди ва тўртинчи куни ул вилоятдан кўзғалиб, Фаридунлик дабдабаси билан неча бир ҳашамат ичра манзилу мақсад сари юзландилар. Ахир демишлар, **маснавий:**

Равон гардид бо аркони давлат,
Сипоҳии беадад пеш аз раият.
[Кетди юриб ёнидаги аркони давлат ила,
Халқидан сони кўп сипоҳи шавкат ила].

Анча манзилларни ортда қолдиргач, Кобул шаҳрига келиб тушдилар. 1259 йил раби ал-аввал ойи бошида/1843 апрел ойи бошида қайтадан афғония мамлакатларининг келинчаги Кобулни кучоғига қаттиқ босиб, салтанат тахтига ёнбошлаганча давлат юмушлари ҳамда халқдан арзу-дод сўраш ишларига шўнғиди.

Мазкур ойнинг охирида менга амир Дўст Муҳаммадхон ва Акбархоннинг қуйидаги мазмундаги хатлари келганди. Барчага маълум ва равшан бўлсинким, амир Дўст Муҳаммадхон ўша Бухородан Шаҳрисабз томонга қочгач, эртаси куни амир Насруллоҳ бу воқеани эшитиб, сийнасига

¹³⁶⁴ Пешовар – Покистоннинг шимолий-ғарбий қисмидаги шаҳар. Бар дарёси (Кобулнинг ирмоғи) бўйида, Хайбар доводидан 18 км. нарида, Шиолий-ғарбий чегара вилоятининг маъмурий маркази. Қадимий номи — Пурушапура I асрда Кушон подшолиги пойтахти бўлган.

хасрат ўти тушди ва дарҳол сардор Муҳаммад Акбархон ва Султон Аҳмадхонни ушлаб, қамоққа ташлаш ҳақида буйруқ берди. Шоҳзодалар эса аллақачон яширинган бўлиб, амир одамлари қанча ахтармасин, улардан асар ҳам топа олишмади. Бир ҳафтадан сўнг эса шоҳзодаларнинг ўзлари бекинган еридан чиқиб, эшон Соҳибзода¹³⁶⁵ ҳузурига боришди ва эшон уларни ёнига солиб, амир Насруллоҳ олдиға олиб борди. Амир Насруллоҳ шоҳзодаларни эшон жанобларининг кафиллиги остиға топширди. Шоҳзодалар бир неча кун эшоннинг сўфилари қаторида юришди. Бироз вақт ўтгач, амир уларни жаноб эшон Соҳибзоданинг уйидан ўз ҳузурига чақиртириб олиб, сўнг қамоққа солди. Уч ой ана шу ҳибсда турдилар. Яна амир Насруллоҳ уларни қамоқдан чиқариб, ниҳоят шоҳзодалар тўла озодликка эришдилар. Аммо, ҳибсдан чиққач қаерға боришларини билмай қолдилар ва ноилож, Бухоро кўчаларида тентираб юрдилар. Чунки, қай бир танишининг уйиға боришса, амир Насруллоҳдан кўрқиб, уларни уйиға киритишмасди. Шоҳзодаларнинг Бухородан ташқари чиқиши эса тақиқланган эди. Бу аҳволда улар фақат яна қамоққа қайтишни орзу қилишарди, зеро, қамоқда ақалли ётадиган жойлари бор эди-да. Анча дарбадарликдан сўнг тағин жаноб эшон Соҳибзоданинг хонақоҳиға келишди.

Шоҳзода Акбархон ва Султон Аҳмадхонларнинг Бухородан Шаҳрисабз сари ва у ердан эса Кобулға кетганлари зикри

Шундан анча вақт ўтгач, шаҳзодалар ҳар томондан қийнала бошладилар ва чор-ночор иккала шоҳзода иккита мулозими билан бирға қочишға бел боғлаб, ўғринча Шаҳрисабз томон йўлга тушдилар. Анча йўл юриб, Кеш шаҳриға етиб олдилар ва хуфтондан сўнг карвонсаройға келиб кўндилар. Эртаси куни шоҳзодалар келиб, Дониёл *оталиқ*ға учрашдилар. *Оталиқ* уларни яхши қаршиламади. Чунки, амир Дўст Муҳаммадхон масаласида амир Насруллоҳ томонидан анча гап-сўзлар бўлиб ўтган эди. Ўз ўрнида бу ҳақда яна айтамыз. Шунга кўра, уларға бирон ёрдам кўрсатишдан ўзини тийди. Амир Насруллоҳ қаҳридан кўрққанидан менға ҳам улар билан ошно-оғайничилик қилишни тақиқлади. Ўн беш кун карвонсаройда ётиб юришди. Шундан сўнг ҳайит айёми фотиҳаси учун Хўжақули *парвоначи* билан бирға Китобдан Шаҳрисабзға бордик. Иттифоқо, ул икки шоҳзода ҳам саройда экан. Улар борасида *оталиқ* ҳузурида анча койиниб гапирдим. Шундан сўнг Хўжақули *парвоначи* менға «яхшиси шоҳзодаларни ўзингиз билан Китоб шаҳриға олиб боринг» деди. Бизлар шоҳзодаларни Китобға келтириб, яхши уйға туширдик ва ҳар куни бир-биримиз билан учрашиб, суҳбатлар қуриб турдик. Шу тариқа орадан етти ой ўтди. Ўша ораликда Дониёл *оталиқ*нинг вафоти воқеаси юз берди. Шундан сўнг кетишға рухсат сўрашди ва Хўжақули *парвоначи* кетишлариға розилик берди. Ёнлариға йўл кўрсатадиган одамларини ҳам кўшди. Фақир бориб, шоҳзодалар билан хайрлашдим. Оғам Акбархон ва Султон Аҳмадхон ушбу байтни қайта-қайта тилға олдилар. **Байт:**

Гулро аз боғи васлаш чинам ё начинам,
Минбаъд якдигар бинем ё набинем.
[Гулни васл боғидан узсаммикин, узмасам,
Бундан сўнг бир-биримиз кўрармиканмиз].

Улар тоғ йўли билан Ҳисор вилояти орқали Хулм сари равона бўлдилар. Неча бир азоб ва машаққатда ўзларини сўфи либосида кўрсатиб, дарёдан кечиб ўтишға муваффақ бўлдилар ва Хулмға етиб олдилар. Муҳаммадаминхон волий Акбархон ва Султон Аҳмадхоннинг келганидан хабар топиб, кутиб олди ва муносиб бир уйға тушириб, яхшилаб меҳмон қилди. Ўша вақтда фарангиларнинг Кобул халқи устидан зулми ҳаддан ташқари кучайиб, афғон ва тожикнинг бариси бирлашган кўйи фарангиларға қарши муҳолифат кўрсата бошладилар. Қўзғалган оломон фарангиларнинг бир нечта каттаконларини Кобул шаҳрида ўлдиришгача бориб етдилар. Улар орасида Искандар Бёрнс ва табиб Лорд Тот¹³⁶⁶ ҳам бор эди. Лот Жангий бу қўзғолондан хабар топиб, ўз гарнизонида мудофаа ишларини жонлантирди. Кобул халқи ҳам кетма-кет Хулмға оғам Акбархон ҳузуриға енгил юрар чопқир чопарлар жўнатиб, Кобулистон юртини фатҳ этишға чорладилар. Оғам Акбархон ва Султон Аҳмадхон бу хушхабарни эшитиб, дарҳол Кобул сари отландилар ва анча йўлларни босиб ўтиб.

¹³⁶⁵ Эшон Соҳибзода – Миён Фазл Аҳад, Ҳазрати Соҳибзода калон. 1869 йили вафот этган.

¹³⁶⁶ Лорд Тот – духтур Персивал Лорд, А. Бернс миссиясининг аъзоларидан бири бўлган. Тот эса бу майор Д' Арси Тодд бўлиб 1839 йили Ҳиротға катта маблағ билан юборилган инглиз жосуси бўлган. У билан бирға Джемс Аббот ва Ричмонд Шекспирлар инглизларнинг Ўрта Осиё хонликларида таъсир доирасини кенгайтириш учун ишлар олиб бормоқчи бўлганлар. Уларнинг бошчилигида Ҳирот инглизларнинг бутун Марказий Осиёға қарши экспанцияси учун марказға айланди. 1839 йили Тодд ва унинг ҳамроҳлари Ҳиротдан ҳайдалган. Британиянинг бошқа агентлари полковник Стоддарт ва капитан Конолли эса Бухорода қатл этилди.

Кобул шаҳрига етиб олдилар. Афғония халқи оғамнинг қадами муборак билиб, хизматига кирдилар. Ўша кезларда Шужо ал-Мулк Боло Ҳисорда эди. Инглизлардан аллақачон кўнгил узган Шужо ал-Мулк ҳам Акбархонга қўшилди. Ҳар кун мусулмон аҳли ва кофирлар ўртасида урушлар бўлиб турди. Ниҳоят, икки орада келишувга ўхшаш музокара сўзлари орага солиниб, оғам сардор Акбархон ва Султон Аҳмадхон ўзларининг икки маҳрами майдон ўртасига чиқадиган ва у томондан Лот Жангий ҳам Тейлор¹³⁶⁷ билан бирга икки маҳрами¹³⁶⁸ ни ёнига солганча жанггоҳ ўртасига келиб, аҳду паймон қиладиган бўлишди. Шартга кўра, Кобул вилояти афғонларга топширилиши, фарангилар эса ўз ватанларига жўнаб кетишлари кўзда тутилганди. Ана шу шартни икки томон ҳам маъқул топиб, эртаси куни оғам Акбархон бир неча минг киши билан Лотнинг гарнизони олдида саф тортишди. **Байт:**

Ду лашкар рўбарў саф баркашиданд,
Ба қасди як дигар ханжар кашиданд.
[Икки лашкар юзма-юз саф тортди,
Бир-бири қасдида ханжар тортди].

Акбархон бир неча кишининг номини тутиб чақирди ва ўзи олдинроқ ўша томонга юрди. Лот Жангий ҳам бир неча минг киши билан ўз гарнизонидан чиқиб, саф тортди. Лотнинг ўзи бир неча одами билан олдинга чиқиб, келишилган нуқтада тарафлар мулоқоти бошланди ва бир-бирлари билан музокарага киришдилар. Сухбат асносида Лот Жангий: – Сизлар ўзингизни мусулмон ясайсиз-у, аммо, бизни шундай қаҳратон совуқда ўз вилоятингиздан қувиб чиқармоқдасиз. Раҳму шафқат деганлари қани, мусулмонлик қаёққа кетди? – деди. Оғам Акбархон Лот Жангийдан бу сўзларни эшитгач, ўзининг касал бўлишига қарамай, оғам Султон Аҳмадхонга афғон тилида «мендан хабардор бўлиб тур» деди-ю, шу заҳоти чакқонлик билан ўрнидан сакраб турди ва Лот Жангийнинг ёқасидан ушлаганча, ёнидан Лотнинг ўзи бундан икки кун илгари совға сифатида оғамга юборган икки стволли тўппончани чиқариб, Лот Жангийнинг кўкрагига қараб шундай отдики, ҳар икки ўқ ҳам ул томонидан тешиб ўтиб, бадар кетди. Аммо, ул ярамас кофир оғам Акбархон устига бир бор қилич сармашга улгурди, хайрият қиличи етиб келмади. Шунда оғам шоҳзода Акбархон эпчиллик билан Лот устига ташланиб, уни ерга қулатди ва ифлос бошини нопок танидан жудо қилиб, ҳаром руҳини дўзах моликлари қўлига топширди. Султон Аҳмадхон ва икки нафар *надими* ҳам Тейлор ва унинг иккита *надими* бошига шу ҳолни солишди. Ҳар икки сафдагилар ҳам майдон ўртасида юз берган бу воқеани кўриб, бир-бири устига ташланишди. Афғон ботирларининг ҳайқириғи ва тўплар овози ҳамда икки лашкар денгизининг шовқини замин у замонни ларзага келтирди, дубулғаларнинг ялтираши, темир совутларнинг чарақлаган шўъласи ва «мушрикларни ўлдиринг» оятининг ойдин нури мазкур тафсирни ёритиб турди. **Байт:**

Дар густард сепоҳи шўъла тиф,
Бинамуд синон барқ аз миғ.
[Қилич олов лашкарин майдон узра ёйди,
Найза булутлар ортидан чакмоқ чиқарди].

Ўқ лочини тинимсиз ёшу қари таъмасида оғиз очишга машғул бўлди. Иттифоқо, шу ушла-ўлдир чоғи мазкур жанггоҳда бир сувсиз катта ариқ бўлиб, оғам Акбархон ва Султон Аҳмадхон ҳалиги ўзлари ўлдирган фарангиларнинг бошларини кесиб, ўша ариққа тушиб олдилар ва соғ-омон ўз қўшини томон кетдилар. Хуллас, уруш қизиб, тўплар тутуни оламни қоронғуликка чўлғаганди. Бироз ўтиб, бу қоронғулик тарқалгач, икки томондан урушни кузатиб турганлар майдон ўртаси мурдаларга тўлиб кетганини кўришди. Бироқ, афғонлар оғам Акбархоннинг ул жаҳаннамдан соғ-саломат чиқиб келганини кўриб, ўзларида йўқ қувониб, оёқларига йиқилишди. Барча хосу-ом оғамга таҳсину офаринлар айтишди. Ўша вақтда Лот Жангийнинг бошини ҳаммага кўринадиган қилиб баланд дорга осиб қўйдилар. Фарангилар Лотнинг бошини кўриб, барчаси бошлиқсиз қолганча, ўз гарнизони томон қочишга тушдилар.

Оғам Акбархон Шужо ал-Мулкни подшоҳ қилиб кўтарди. Ўзи эса қўшин сардори бўлди. Бир неча кун давомида фарангиларни ўз гарнизонида қамал қилиб, уруш солдилар. Бир неча вақт шу зайл ўтгач, бир куни катта-ю, кичик бир ёқадан бош чиқариб, яна бир бор фарангилар гарнизони томон хужум уюштириб, бир ҳамлада қалъани эгаллашди ва аҳли куфранинг барисини бир қўймай ўлдирдилар. Лот Жангийнинг хазинасини эса оғам Акбархон қўлга тушириб, унга ўзи эга чиқди.

¹³⁶⁷ Бу шахс Уильям Макнотеннинг яқин ёрдамчиси Тревор бўлган.

¹³⁶⁸ Бу икки маҳрам инглиз офицерлари Лоуренс ва Маккензилар эди.

Шу зайл бир неча муддат ўтгач, Акбархон Шужо ал-Мулк маслаҳатига биноан Жалолобод¹³⁶⁹ томонга қўшин тортиб кетди. Оғам Акбархондан ҳадикка тушиб юрган Шужо ул-Мулк фурсатдан фойдаланиб, ўзининг иккита махрамига сон-саноксиз миқдорда пул ваъда қилиб, Акбархонни ўлдириш учун кетидан юборди. Ул икки қон тутгир нонкўр бу мудҳиш вазифани бажаришни бўйнига олиб, Акбархон лашкаргоҳи сари кетишди. Кўзланган жойга етишгач, қулай вақт пойлаб юришди. Иттифоқо, бир куни Акбархон айна уруш пайти одамлари нарироқ кетиб, ўзи ёлғиз қолди. Ўша вақтда ҳалиги лаънатиладан биттаси ёнидан тўппончасини чиқариб, ул жонажон дўстнинг кинсиз ва адоватсиз беғараз кўксига қараб ўқ отди. Бахтга кўра, ўқ хато кетиб, ул довюралнинг кўксига тегмай, балки кўлига тегди. Оғам яраланмаган кўли билан дарҳол ул малъуннинг бўғзидан олди ва ерга кулатди. *Надим*лар воқеадан хабар топиб, иккала эгасиз итни ҳам ушлашди ва нима гаплигини сўрашди. Ул икки гумроҳ бор гапни оқизмай-томизмай айтиб беришди. Оғам Акбархон воқеа аслидан хабар топди ва Кобулга қайтиб, шаҳарга етгач, Шужо ал-Мулкни ҳибсга олиб, қатлга етказди.

Шужо ал-Мулк уч марта Кобулда салтанат тахтига ўтирган эди. Умри муддати саксон ёш бўлди. **Байт:**

Ба боғи дил дар ин бўстонсаройи олами фони,
Ниҳоли орзу манишон ки бор орад пушаймони.
[Бу ўткинчи олам бўстон саройнинг дил боғида,
Экма орзу ниҳолин, оқибат пушаймонлик келтирур].

Акбархон унинг ўрнига ўғли шаҳзода Фатҳ Жангийни салтанат тахтига ўтказди. Бир неча кундан сўнг уни ҳам отаси кетидан у дунёга равона қилиб, ўзи мустақил равишда 1258/1842-43 йили салтанат тахтига ўтирди. Хуллас, оғам Акбархон бутун Кобулистон мамлакати бўйлаб ҳукм юргиза бошлагач, орадан бироз вақт шу зайлда кечиб ва уруш ва жанглар кулфатидан бирмунча тинчиб, дам олгач, яна Жалолобод томонга қўшин тортиди. Ҳиндистон томондан фарангиларнинг жуда катта қўшини у ердаги аскарларга ёрдамга келди ва бу маҳалда Кобул амирлари орасида ҳам бир-бирига қарши ўзаро низо ва жанжаллар чиқа бошлади. Айниқса, шиа жамоасининг Ширинхон ва шу каби яна бошқа бошлиқларнинг боши бир ерга қовушмай қолди. Оғам қўшинига бу сингари бузғунчилик кайфияти оралагач, Кобул тарафга қайтишга мажбур бўлди. Кобулга келгач, бундан ортиқ Кобулда қолиш имкони йўқлиги ҳам маълум бўлиб, ноилож оғам хотин ва бола-чақасини, аввалгидек, Туркистонга юборди, ўзи эса аскарлари билан Хулм тарафга йўл олди. Ўша ерда қулай дамларни кутиб ўтирди. Шундай қулайликни қўлга киритган Фаранг қўшини эса Кобулни эгаллаб, қайтадан Кобул мамлакатини ўз тасарруфи доирасига киритди ва аҳолини ёппасига қирғин қилишга тушди. Хотину эркак, ёшу қари, бола-ю гўдак демай барчасини аёвсиз ўлдирди. Кобул кўчаларида халқ қони ариқ бўлиб оқди. Барча уйларга ўт кўйдилар. Бу ҳодиса ҳақида [соҳибқирон амир Темур даврида яшаган] Шоҳ Неъматуллоҳ шундай башорат қилиб кетган эди, **назм:**

Дар ҳазору ду саду панжоҳу ҳашт,
Шаҳри Кобул мешавад монанди дашт.
[Бир минг икки юз эллик саккизинчи йил,
Дашт каби вайрон бўлур ул шаҳри Кобул].

Қаранг, Неъматуллоҳ Вали каби зотнинг башорати ўша йили ҳақиқатга айланди.

Фарангийлар Боло Ҳисорда Шоҳзамоннинг ўғли шоҳзода Шопурни меросий тахтга ўтказишди, бироқ қўшин Кобулда қолмай, яна Жалолободга қайтиб кетди. У ердан ҳам қўзғалиб, бутун афғония сарзаминини ташлаганча тез суръатлар билан Ҳиндистонга йўл олди. Бу хабар оғам Акбархон қулоғига етгач, дарҳол тезликда Кобул томон юзланди ва йўл юриб, Кобул шаҳрига етиб келди ва ул вилоятни қайтадан эгаллади. Шоҳзода Шопур эса қочиб, Ҳиндистонга кетди. **Байт:**

Аз он касе ки расидааст навбаи мансабу давлат,
Тамаъ мадор ки гови назода шир надорад.
[Мансаб ва давлат навбати етган кишидан қилма ҳеч нарса умид,
Ахир туғмаган сигирнинг сути бўлмайдик-ку].

Оғам Акбархон салтанат мансабига минди. Айна ўша пайтларда фарангийларнинг амир Дўст Муҳаммадхон билан аҳду паймон қилиб, Кобул вилоятига кетиш учун рухсат берганлари ҳақидаги хабар етиб келди. Бир неча кундан сўнг амир Дўст Муҳаммадхон Пешовар вилоятига кириб келди. Бу қувончли хабар оғам Акбархонга маълум бўлгач, чексиз дабдаба билан афғония амирларини ёнига солган кўйи отасини кутиб олишга чиқди ва Жалолобод мавзесида қиблогоҳи узангисини ўпиш шарафини топди. Амир Дўст Муҳаммадхон азиз фарзандини марҳаматли оғушига олиб, оталарча

¹³⁶⁹ Жалолобод – Афғонистоннинг жанубий-шарқдаги шаҳар, Нангархор вилоятининг маъмурий маркази.

меҳру муҳаббат билан бағрига босди ва лутфу навозишлар кўрсатиб, шундан сўнг шоҳ ва шоҳзодалар биргаликда Фаридунлик бахту шавкати билан Кобул мамлакати сари кетдилар. Анча йўлларни ортда қолдиргач, манзилу мақсадга етиб, шаҳарга кирдилар ва қайтадан жаҳонбонлик тахтига суяниб, юрт сўраш ишларига киришиб кетдилар. Бу воқеа 1259 йили Ҳамал ойида/1843 март-апрелида юз берди. **Мисраъ:** Касро вуқуф нест ки анжоми кор чист (Ишнинг нима билан тугадини ҳеч кимса била олмайди);

Муҳаммадалихоннинг амир Насруллоҳ билан адоватлашгани зикри

Ақлли ва доно китобхонга маълум ва равшан бўлсинким, 1254/1838-39 йили бир куни бу фақирнинг уйида олий мартабали кўзлар нури Султон Маҳмудхон ва Хўжақули *парвоначи* яхшигина зиёфат уюштириб, суҳбатлар қуриб ўтирган эдик. Ўша пайтда мавлоно Ҳозик ҳам Балх томондан келиб, касаллик кўрпасида ётган эди. Иттифоқо, шу аҳволда ўтирганимиз маҳалда Султон Маҳмудхоннинг *надим*ларидан бири Хўқанддан жуда кўп миқдорда асл газлама-моллар олиб келиб қолди. Ундан Муҳаммадалихон мода ҳақида сўрадик. Ул *надим* «айни кунларда жуда олий ва зўр бир тўй бериб турибди» деди. «Қандай тўй?» дея сўрадик яна. *Надим* саволимиз жавобида «ўғай онасидан бир ўғили бўлибди, ул мақто боланинг отини Баҳромхон қўйди» деди. Бу хабарни эшитиб, ҳаммамиз ўй денгизига ботиб, хангуманг ва хайрону лол бўлиб қолдик. Тўғри, бундан бир неча йил бурун бу гаплар халқнинг барча табақаси оғзида овоза бўлиб юрганди. Аммо, биз буни хонга нисбатан шунчаки тухмат ва маломат сўзлари, деб ўйлардик. Жўяли бир далил бўлмагач, миш-мишдан ўзгадек туюлмасди назаримизда. *Надим*ни яна саволга тутиб, «ахир қайси далил асосида хотин қилиб олибдики, ундан бола кўриш даражасига бориб етган бўлса?» деб сўрадик. *Надим* «уламодан айримлари Моликий мазҳаби бўйича отасининг бевасини қирқ кишига тегиб чиққандан кейин олса жоиз эрур, дейишибди. Ҳанбалий мазҳабида ҳам шунга ўхшашроқ бир йўл бор экан. Хуллас, шу сингари бекорчи сўзларни айтиб, улуғлар уйланмоғига фатво берибдилар» деди. Мавлоно Ҳозик нодон муллоларнинг сўзидан ғабланиб, мазкур беамал уламолар шаънига бир-икки оғиз ҳақоратли сўзларни айтган бўлди. Сўнг бошини тиззаси устига қўйганча, чуқур ўйга чўмди. Бироздан сўнг бошини кўтариб, мийиғида кулди ва «бир қизиқ нарса эсимга тушди, ҳозир ёзиб қўяман» деди ва ёза кетди. Анчадан сўнг қоғозга туширган назмини бизга ўқиб берди ва у **шеър** ушбуди:...¹³⁷⁰

Бизлар эртаси куни бу масала бошқа мазҳабларда қандай талқин қилинганини билиб, аниқлаштириш мақсадида «Эшон Шофеий» номи билан танилган ҳидоятпаноҳ мавлоно Дарвеш эшон хузурига бордик. Жаноб эшон биздан олдинроқ бу воқеани эшитган эканлар. Бизлардан ҳам яна сўраб-суриштириб олдилар. Биз воқеа баёнини арзларига етказдик. Жаноби эшон томирларида аҳмадий динининг орияти шундай жўш уриб кетдики, лаънати Муҳаммадалихон сабабли оғам Султон Маҳмудхонни мажаклаб ташлашига сал қолди. Сўнг бироз вақт бошини қуйи солган кўйи индамай ўтирдилар. Шундан сўнг муборак бошини кўтариб, Султон Маҳмудхонга қараб дедилар: – Ахир Сиз каломи шарифни ўқимаганмисиз? «Нисо» сурасининг тўртинчи пораси охирида худованди таоло «Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг! Агар [ушбу оят нозилидан] илгари уйланган бўлсангиз, Аллоҳ афв этар. Албатта бу жирканч ва душманлик ва ёмон ишлардандир»¹³⁷¹ деб буюрмиш. Тўғри, таъқиқ келмасдан бурун араб ичида бу ишлар амалда бўлиб, айримлар ўғай оналарига уйланганлар. Оятдаги каби илгари уйланган бўйича мазкур оят нозил бўлгач ҳам улар билан яшашда давом этиш манъ этилмапти. Аммо, бундай никоҳнинг жирканчлиги таъкидланмоқда. Шунга кўра, бу амал барибир араб улуғлари наздида макруҳ ва жирканч саналган. Чунки, бундай ёмон таъриф олган амал юзага чиқиб, кишининг илгари отаси никоҳида бўлган хотинидан фарзанд туғилса, у «мақто», яъни, «дин душмани» номи остида дунёга келган бўлади. «Ёмон ишлар» деганда ҳам уч нарса англашинади: ақлий, яъни, билиб туриб қабихлик қилиш, иккинчиси, ёмонликни эски урф-одатга кўра қилиш ва учинчиси шариатга қарши равишда қасддан қилиш. Мавлоно Ҳусайн¹³⁷² [Воиз Кошифий жанобларининг «Мавоҳиби Алия» номли] тафсирида «кимки оятга ёки оятнинг ўрнига ўтадиган суннат, ижмои умматга хилоф гап айтадиган бўлса ёки шундай нарсага эътиқод

¹³⁷⁰ “Мунтахаб ут-таворих”нинг кўлимизда мавжуд Муҳаммадамин ибн домулло Иноят китобат қилган нусхасининг факсимилесида тахминан ўн байтлик мазкур шеър сиёҳ билан чаплаб ўчирилган.

¹³⁷¹ Қуръони карим, 4:26.

¹³⁷² Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий – Камолиддин Ҳусайн Воиз ибн Али (1420, Сабзаворнинг Байҳақи – 1505, Ҳирот) адиб, файласуф, воиз ва олим. Унинг тафсириларидан “Жавоҳир ут-тафсир фи тўхфати-л-амир” (1-чи жилди 1485, 2-чи жилди тугамаган, таълифи 1487) ва “Мавоҳиби Алия” ёки “Тафсири Ҳусайний” (1492-94) йй. ёзилгани маълум ва улар бизгача етиб келган.

қилса у кофир бўлади. Абу Шукур Салимий «Тамҳид»ининг «Суннат ва жамоат» мавзуидаги ўн биринчи бобидан». – «Агар ҳалолни ҳаром деб эътиқод қилса, ўша нарсанинг айна ҳаром бўлса ва яна қатъий далил билан собит бўлган бўлса бу ҳам куфрдир».

Бу сўзларни жаноб эшондан эшитгач, ҳайратдан ёқа ушлаб қолдик. Оғам Султон Маҳмудхон акасининг бу каби манфур амали касофатидан қиёмат куни кўркувига тушгани сабабли бу ишнинг ҳасрат ва аламида ёниб, кул бўлишига сал қолди. Эшон ҳузуридан рухсат олиб, ташқари чиқдик. Султон Маҳмудхон фақирнинг уйига оёғи етиб-етмас, дарҳол мирзони чақирди ва амир Насруллоҳга кўйидаги мазмунда хат битди: «Сиз амир жаноблари ҳозирги кунда Мовароуннаҳрнинг энг каттаси ва улуғи ҳисобланасиз. Бугун бизга аниқ маълум бўлдики, Муҳаммадалихон акамиз битта аёл учун аҳмадий динидан воз кечибди. Сиз жаноблари учун вожибдурким, унга танбеҳ бергайсиз. Агар Сиз жаноблари бу ишда ҳаял қилиб, орқага сурсангиз, у ҳолда бизга рухсат беринг, бу савобни биз адо этурмиз». Шу хатни ёзиб, дарҳол амир Насруллоҳга жўнатди. Мактуб амир Насруллоҳга етишгач, уламодан сўраб, у ҳам худди шундай жавобни эшитди. Кейин Муҳаммадалихон олдига юбориш учун элчи тайёрлаб, унинг қўлига Муҳаммадалихонга аталган ушбу мазмундаги хатни тутқазди: «Эшитишимизча, Сиз ўз отангизнинг бевасини ҳалол билиб, никоҳингизга олибсиз. Бу қайси далил асосида амалга ошди? Чунки, Бухоро уламолари қанчалик китоб кўриб, масалани ўрганишмасин, бундай уйланишнинг мумкинлигини била олишмади. Сизга маълум бўлса, ўша масалани бизга ёзиб юборсангиз, токим, шу туфайли халқ янглиш назарлардан қутулса». Элчи Хўқандга етиб боргач, мактубни Муҳаммадалихонга топширди. Унга хат мазмуни маълум бўлгач, кўнгли қозоннинг орқасидек қоп-қора бўлмиш Муҳаммадалихон амир Насруллоҳ сўраган нарсани бажариш ўрнига, кўзлари косасидан чиқиб, худди дўзах оташидек ловуллай кетди. Дарҳол элчини ушлаш ва ёнидаги молини талон-торож қилиш ҳақида буйруқ берди. Бирпасда унинг айтганидай қилишди. Шундан сўнг ўзи бошчилигида Бухоро томонга қўшин тортди.

Ўшанда амир Дўст Муҳаммадхон қочиб, Шаҳрисабзга келган ва у ердан Хулмга ўтиб кетган пайтлар эди. Афғон амири Хулм томон йўлга тушиб кетгани ҳамон Амир Насруллоҳдан Дониёл *оталиққа* элчи келиб, амирнинг «Дўст Муҳаммадхоннинг Хулмга ўтиб кетишига нима учун йўл бердингизлар» деган таъналарини етказди. Дониёл *оталиқ* эса «биз кенагас халқининг расму одоби шуким, ким бизнинг вилоятимизга келса, турадимиз, кетадимиз бу меҳмоннинг ўз ихтиёрида бўлиб, мабодо кетса, бунга қаршилик кўрсатилмайди» дея жавоб берди. Амир *оталиқнинг* бу жавобини кўрсликка йўйиб, яъни, мен билан ёвлашганини шу зайл ошкор этмоқда, деган баҳонада тўпхонаси билан Шаҳрисабз устига лашкар тортиб келиб, энди урушай деб турган маҳал Муҳаммадалихон босиб келаётгани ҳақидаги хабар етиб келди. Бу хабарни эшитган Амир Насруллоҳ вазият танглиги сабабли Дониёл *оталиққа* кўнгилни хушлайдиган мулойим сўзлар айтиб, ҳурматли кишиларини элчи қилиб юборди, ўзи эса дарҳол Муҳаммадалихон томонга лашкарини бошлаб кетди. Ўша вақтда енгил юрар чопарларни кетма-кет Султон Маҳмудхон олдига жўнатиб «бу ишларнинг хамиртуруши Сиз ҳисобланасиз, энди мана вақт етишди, келинг, мақсаддаги ишларни биргаликда амалга оширайлик», дебди. **Шеър:**

Аду шавад сабаби хайр гар Худо хоҳад,
Хамирмойи дўкони шишагар санг аст.
[Худо хоҳласа душманнинг иши хайрга ҳам сабаб бўлур,
Шиша устахонасидаги хамиртуруш аслида тош эмасми].

Султон Маҳмудхон Дониёл *оталиқ* маслаҳатига кўра, амир Насруллоҳдан Жиззахни беришини сўради. Ўша маҳал амир Насруллоҳга Муҳаммадалихоннинг Пешоғар қалъасини тузатиб, Довул *парвончининг* ўғли Гадейбойни ўша ерга қўйган кўйи ўзи тез суръатлар билан Хўқандга қайтиб кетгани маълум бўлди.

Амир Насруллоҳнинг Пешоғар устига лашкар тортиб, ул қалъани қўлга киритгани зикри

Амир Насруллоҳ Муҳаммадалихоннинг қайтиб кетганидан хабар топгач, илгари қадам босиб, Султон Маҳмудхонга ҳалиги илтимоси бўйича «Жиззахдан бошқа қаерни талаб қилсалар, бераман, аммо Жиззах баҳридан кечмасалар бўлмайди» деган мазмунда хат ёзди. Бироқ, шундан сал олдин Жиззахни бериш арафасида турганди, бунинг сабаби эса Муҳаммадалихоннинг қайтиб кетгани бўлиб, шу тобда унинг тағин қайтиб келаётгани маълум бўлгани эди. Шунга кўра, кейинги хатни мазкур йўсинда битиб юборди. Султон Маҳмудхон Дониёл *оталиққа* маслаҳат солди. Қарасалар, ҳозир амир Насруллоҳнинг қўли баланд келиб турган пайт. Ноилож Урметан қалъасини унга қарашли ерлар билан бирга беришини сўраб, чопар юборди. Ўша вақтда амир Насруллоҳ Пешоғар

қалъасини узук қоши каби ўртага олиб, қамалга машғул бўлиб турганди. Абдусамад *ноиб* ўзининг эронлик куллардан ташкил топган мунтазам кўшини ва тўпхонаси билан ҳарбий усулларнинг энг яхши намунасини кўрсатаётган эди. Ўзбекларнинг бариси унга таҳсин ва офаринлар айтишарди. Саккиз кундан сўнг кўрғон аҳолиси жуда мушкул аҳволга тушиб қолишди ва ўртага сулҳ сўзини солишди. Орада аҳду паймон қилиниб, Гадейбой қалъани ташлаб чиқди ва одамлари билан Хўқанд сари юзланди. Амир Насруллоҳ Пешоғар қалъасини қайтадан буздириб, ер билан яксон қилдирди ва шундан сўнг орқасига қайтди. Султон Маҳмудхоннинг элчисига рухсат бериб, аҳдлашув хатини жўнатди. Аҳдномага кўра, Фалғар вилояти бошидан-охиригача Султон Маҳмудхонга бериладиган бўлди. Чопар Султон Маҳмудхонга бу аҳдномани етказгач, дарҳол Дониёл *оталиқ* билан маслаҳатлашиб, кетишга қарор қилди ва 1255 йили шаъбон ойининг учуда пайшанба куни/1839 йил 12 октябр Дониёл *оталиқ* билан хайрлашиб, Самарқанд сари юзланди. Фақир то Қиз мавзесигача кузатиб бориб, бир-биримизни бағримизга босганча неча бир доғу ҳасрат билан бир-биримиздан айрилдик. Шоир демиш, **байт:**

Чи хуш гуфт донойи Ҳиндистон,
Ба расми насиҳат ки, эй дўстон:
Нахоҳам ба кас ошнои шавад,
Мабодо ки рўзе жудои шавад.
[Нечоғлик яхши айтмиш Ҳинд доноси,
Насиҳат юзасидан эй дўстлар бу сўзни:
Бир кун келиб жудолик бўлмасин деб,
Биров билан дўст тутинишни истамадим].

Кўзлар нури Султон Маҳмудхон Самарқандга етгач, эртаси куни амир Насруллоҳнинг ҳам ул тарафдан келаётгани маълум бўлди. Султон Маҳмудхон ҳазрат шайх Қусам ибн Аббос¹³⁷³ – *Аллоҳ ундан рози бўлсин* – мозори мавзесида олдиға чиқиб кутиб ўтирганди, амир Насруллоҳ келиб қолди. Отда ўтирганча Султон Маҳмудхон билан кучоқлашиб кўришди, аммо, ўша кучоқлашиб кўришаётгани асносида отдан пастга тушди. Айрим рақиб кишилар амирнинг бу ҳаракатини ўзига хос усталик ва узокни кўзлаб иш тутувчилик усулиға йўйдилар. Зиёратдан фориг бўлишгач, биргаликда Самарқанд шаҳриға кириб боришди. Амир Насруллоҳ оғам Султон Маҳмудхонга ёнидаги муносиб уйдан жой кўрсатди ва жуда иззат-икром қилиб, яхши зиёфатлар уюштирди. Эртаси куни Фалғар вилоятининг ёрлиғини хос сурнай, тилла эгар-жабдуқли хос от ва минг ашрафий олтин пул, юз чакманни юз атлас кийимлиги билан бирға кўшиб, оғам ҳузурига юборди. Икки кундан сўнг эса оғамга янги вазифасини бажариши учун кетишга рухсат бериб, амирнинг ўзи Бухоро томонға қайтиб кетди. Анча йўл юргач, Бухороға келиб тушди ва йўл чарчоқларини ёзиб, дам олди.

Султон Маҳмудхоннинг Урметан қалъасида амирлик қилгани зикри

Султон Маҳмудхон амир Насруллоҳдан рухсат олгач, йўналиш жilовини Урметан кўрғони сари бурди. Анча йўл юргач, ул вилоятға етди ва амирлик мансабига ёнбошлаб, ҳукумат юмушлари ва эл-юрт ташвиши билан машғул бўлди. У ернинг оёғига бир пайтава топиб ўрай олса, терисига сиғмай хурсанд бўлиб юрган халқи кўзлар нури Султон Маҳмудхон даврида зарбофт тўн кийишдан ор қиладиган бўлиб, баданларига жир битиб қолди. Бир неча кунлар шу зайл кечгач, биринчи йилиси кишида оғам икки мартаба юқори томонларға кўшин тортиб, Масчой¹³⁷⁴ вилоятини барча ерлари билан тўлалигича қўлга киритди. Масчойға олиб борадиган йўллар шундай бир йўллар эдики, улар олдида дўзахнинг пулсироти ҳам ўзини худди Бухородаги Мехтар Қосим кўприги¹³⁷⁵ дан кенгрок хис қиларди. **Шеър:**

Кўҳе ки ба номи Варазот аст,
Гўё ки намунаи сирот аст.

¹³⁷³ Қусам ибн Аббос – (тахм. 624-677) – саҳоба. Пайғамбар Муҳаммаднинг амакиваччаси. Халифа Али ибн Абу Толиб даврида Макка волийси бўлган. Муовия даврида Хуросон волийси Саид ибн Усмон билан бирға Ўрта Осиёни фатҳ этишда қатнашган. Манбаларда айтилишича, Саид динни кучайтирмақ ва шариат ҳукмларини юргизмақ мақсадида Қусам ибн Аббосни бир неча ислом кўшини билан Самарқандда қолдирган. 677 йили суғдийлар Самарқандға ҳужум қилганда Қусам ибн Аббос шаҳид бўлган. Бану Ножиа қабристонига ёр ёнида (бошқа манбаларда – ғозийлар ёнида) дафн этилган. Султон Санжар Мозий (1118—1157) замонасида ўша қабристонда “Қусамия” мадрасаси солинган. У Оби машҳад ариғи яқинида бўлган. Амир Темур даврида ушбу мазор устиға иморат қилиниб, турли безаклар билан безатилган. Халқ орасида Шоҳизинда (“Тирик шоҳ”) номи билан машҳурдир.

¹³⁷⁴ Масчой/Масчоҳ – Зарафшон водийсининг юқори қисмида жойлашган тоғли ҳудуд. Маркзаи Оббурдон қишлоғи бўлган.

¹³⁷⁵ Мехтар Қосим кўприги Шайбонийхоннинг амакиваччаси Убайдуллоҳхон даврида 1536 йили қурилган.

Ў бар сари оташи жаҳим аст,
Ин бар сари оби мустақим аст.
[Номи ул тоғнинг Варазот,
Кўриниши гўё пулсирот.
Турибди дўзах олови узра,

Оғам Султон Маҳмудхон бутун бир йил давомида Фалғар вилоятида ҳукмронлик қилди.

**Дониёл оталиқ вафотининг зикри ва Хўжақули парвоначининг ҳукумат тепасига
чиққани баёни**

Дониёл *оталиқ* мазкур воқеалар рўй бериб турган маҳалларда оғир бир касалга мубтало бўлди. Табобат илмини ўзларининг макр илмларидан бири деб билувчи кинначи кампирлар ўз билганларича даволашга қанчалик уринмасинлар, қайтанга уларнинг совуқликни оширувчи ловия ва мош шавла едириб муолижа қилишлари *оталиқ*нинг касалини баттар кучайтирди. Шунингдек, *оталиқ* кексалик ёшига етиб, вужудидаги ожизлик ҳам зўрайган эди. Ўша ҳолатида фақир *оталиқ*ни кўргани бордим ва бир ташхисдаёқ тана ҳароратининг жуда пасайиб кетганини сездим. Шунинг учун қаттиқ-қаттиқ сўзлар айтиб, кампирларнинг даволашини тақиқладим. Аммо, ул қилиғи ёмонлар ўзларини ҳақиқий жонкуяр ва катта табиб кўрсатиб, ўз усулларича даволаш ишидан қўл тортмадалар. Аммо, бу барча сайъ-ҳаракатлари билан *оталиқ*нинг ўлими учун уриниб ётганларини билмас эдилар. Ахир шоир бекорга айтмаган, **рубой**:

Чил сол асири банди зиндон будан,
Нўҳ тоқи фалак ба хуни дил андудан,
Се сад кўҳи Қофро ба ҳован судан,
Бехтар ки даме ҳамдами нодон будан¹³⁷⁶.
[Қирқ йил зиндонда асир ётмоқ,
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ.
Уч юз кўҳи Қофни келида туймоқ,
Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ].

Охир-оқибат *оталиқ*нинг касали меъеридан ошди ва етти кун беморлик тўшагида ётиб, 1256 йилнинг ўн еттинчи раби ас-соний ойида якшанба куниси/1840 йил 19 июн борлиқ этагини бу гурурга тўла дунёдан йиғиштирди ва охират томон юзланди. **Қитъа**:

Чунин аст кирдори гардон сипехр,
Гаҳе захри қаҳр аст гаҳ нўшмехр.
Ба ноз касе парварад дар канор,
Ба хок афканад охираш хор-зор.
[Айланувчи осмоннинг иши ўзи шундай,
Гоҳо қаҳр захри бўлиб гаҳи жон дорисидир.
Кимнидир ёнида сийлаб-сийпаб ўстиради-ю,
Сўнг хору зор этиб тўпроқ ичра ирғитади].

Дониёл *оталиқ* қирқ йил мустақил ҳукумат юргизиб, шундан Китоб шаҳридаги амирлиги йигирма саккиз йил бўлди. Алқисса, *оталиқ*нинг вафоти бутун Шаҳрисабз ўлкаси бўйлаб ёйилди ва унинг ўлиmidан сўнг амирларнинг боши қотиб, нима қилиш лозимлигини билмай қолишди. Ҳатто, бир умр шундай кунни кутиб яшаган айрим амирларнинг миясига молихулиё касали йўл топа бошлади. Шу аснода Шаҳрисабздан икки нафар одам келиб, Хўжақули *парвоначини* Шаҳрисабз амирлигига таклиф қилишди. Бу пайтда Китоб амирлари эҳтиёткорликни ўзларига шиор қилиб олиб, ҳикмат бўйича иш тутмоқда эдилар. Фақир шунда ҳозир юмшоқлик қилиш ёки масалага панжа орасидан қараб ўтиришнинг вақти эмаслигини англадим ва бундай қилинса биздан кечирилмас хато ўтишини билдим. Бинобарин, бу борада анча ҳаракатлар қилдим. Ниҳоят, *оталиқ*нинг тобутини олдинроқ солиб, Хўжақули *парвоначи* билан мен ва афғон амири Дўст Муҳаммадхоннинг бу пайтда ҳали Китобда турган ўғли сардор Акбархон ва сардор Султон Аҳмадхон ва бошқа амирлар катта дабдаба билан Шаҳрисабз сари йўлга тушдик. Шаҳарга яқинлашгач, Хўжақулибийнинг укаси Бобобий чиқиб, кутиб олди ва у ердан бийнинг укаси ҳамроҳлигида ҳой-ҳуй товушлари остида шаҳарга кириб, *оталиқ*ни тўла обрў-эътибор билан тупроққа топширдик. Шундан сўнг Хўжақулибий *парвоначи* Оқсарой иморати остида кўш ташлади ва кенагаснинг барча миру амирлари йиғилишиб,

¹³⁷⁶ Бу рубой Пахлавон Маҳмуд қаламига мансубдир.

Хўжақулибий *парвоначини* амирлик мансабига ўтказдилар. Хўжақулибий амирлик тахтида қарор топгач, мамлакат ишларини тартибга солмоққа киришди. **Байт:**

Пиранд чарху анжум, бахти жавон жавон,
Он беҳ ки пир навбати худ бо жавон диҳад.
[Осмону юлдузлар кекса, бахт эса ҳали ёшроқ,
Кекса энди навбатни ёшга берса шул яхшироқ].

Амир Насруллоҳнинг биринчи марта Хўқанд тарафга лашкар тортгани зикри

Амир Насруллоҳ катта қўшин билан Фарғона мамлакатлари сари юзлангач, бир неча манзилларни орқада қолдириб, Жиззах вилоятига келиб тушди. Урметандан эса ўз қўшини билан кўзлар нури Султон Маҳмудхон келиб, амир билан иккаласи мазкур мавзеда учрашдилар. Эртаси куни у ердан кўчиб, бир кўч масофани босиб ўтгач, Ём қалъасини узук қошидек ўртага олдилар ва камал ишларига киришдилар. Ўша вақтда Ём қалъасида амирлик ва ҳукумат паноҳи оғам Исҳоқбек *девонбеги* ибн Маҳмудбий ҳоким бўлиб, уч кун давомида ул қаҳрамонлик майдонининг арслони амир Насруллоҳга қарши шундай уруш қилдики, ўзбекнинг тўқсон икки бовли ҳайрат бармоғини тишлаб, бир овоздан таҳсинлар айтишди. **Байт:**

Арўси мамлакат он мард канор гирифт,
Ки аввал аз гуҳари теғ дод кобинаш.
[Мамлакат келинчагин ул йигит ўз қўйнига олди,
Уни қилич гавҳаридан қалин бериб қўлга киритганди-да].

Дарҳақиқат *девонбеги* мардликнинг энг юқори намуналарини кўрсатган эди. Аммо, бахтга қарши қалъа ичига оламини куйдирувчи ўт тушиб, хўлу-куруқ баравар ёнди. Ноилож, оғам Исҳоқ *девонбеги* қочиб водийсига юзланиб, ўша зим-зиё тунда сарсон ва саргардон ул дашту биёбонда кетаверди. Тасодифан амир Насруллоҳнинг уни қувлаб кетаётган аскарларига дуч келиб, ул жонажон дўстни қўлга туширдилар ва амир Насруллоҳ олдига олиб келдилар. Амир Насруллоҳнинг нигоҳи Исҳоқ *девонбегига* тушган заҳоти қувончи ичига сиғмай кетиб, дарҳол жаллодни чақирди. Сўнг жаллодга қараб «манави ов бир умр бизнинг қўлимиздан қочиб юрган эди, ҳозир эса жуда осон қўлимизга тушди, энди уни яна қочирмаслик учун соғ қолдирмаслигинг зарур» деди. **Байт:**

Душман ки ба дасти ту омаду мағлуби ту шуд,
Ҳукми хирад он аст ки омонаш надиҳи.
[Душман енгилса-ю, қўлингга тушган он,
Ақл буйруғи – ўлдир уни, қўйма омон].

Ул лаънати қонхўр амир Насруллоҳдан бу сўзни эшитгани ҳамано чакқонлик билан Исҳоқ *девонбегининг* бўйнидан олиб, амир Насруллоҳ рўпарасида ҳақорат тупроғи узра йиқитди ва аёвсиз қиличи билан ул азиз ёрнинг бошини нозанин танидан жудо қилди. **Байт:**

Дар ин саройи фано дил манеҳ ки жойи дигар,
Баройи маскани ту бар кашидаанд қусур.
[Бу фано саройига кўнгил берма, чун сенинг учун
Бошқа ерда қасрлардан жой тайёрлаб қўйишибди].

Манқит амирзодалари орасида оғам Исҳоқ *девонбегига* ўхшаш яхши сийратли киши ўтмаган. Эллиқ йил умр кўрди. Оғам Исҳоқ *девонбегининг* мақтовли сифатлари васфидан бир бўлагини олий мартабали амир Умархон баёни асносида ҳали айтиб ўтаман. У яхшигина шеърлар битарди. Бу байт ундандир, **байт:**

Баҳор омад маро асири гулу гулзор боисти,
Шароби васли ёру базми бе ағёр боисти.
[Баҳор келди, гулу гулзорга асир бўлмоғим керак,
Ёр васлининг шароби-ю, рақибсиз базми ёр керак].
Ва бу туркий байт ҳам униқидир:
Хирад мойи ҳосил Исҳоқбек,
Буд табъи мавзуну хубу нек.
Писандида гуфтор, санжидагў аст,
Ба алфози турки зи ҳажри бутон,
Забонаш ба ин байт шуд таржимон.
«Бодаи васли насиб эрмиш манга бу важҳдин,
Ким, эрур соқий рақибу жом иқболим бугун».

[Ақл даласининг ҳосили эди Исҳоқбек,
Зехни ўткир, таъби яхши йўқ анингдек.
Сўзлари ёқимлидир чертиб айтган замон,
Туркий тилда санамлар ҳажрида ёзгани,
Ушбу байт унинг дил сўзларига таржимон:
«Бодаи васли насиб эрмиш манга бу ваҳҳдин,
Ким, эрур соқий рақибу жом иқболим бугун»].

Эртаси куни амир Насруллоҳ Ём қалъасидан кўчиб, Зомин қалъасини паргор чизигидек айланасига ўраб олиб, қамал ва уруш ишига киришди. Ноиб Абдусаммад ҳам тўп отишни бошлаб юборди. Ўша пайтда Зомин кўрғонининг ҳокими Муҳаммадшариф *оталиқ*нинг укаси Абдували бўлиб, икки кундан сўнг ул ор-номуссиз омонлик тилай бошлади ва келишувга эришгач, қалъани ташлаб, Ўратепага кетди. Амир Насруллоҳ Зоминни олди ва эртасига Совет манзилига бориб қўш ташлади. Ўша куниси хосу омга сарупо улашди. Султон Маҳмудхонга кўп меҳрибонликлар кўргузиб, олий сарупога қўшиб, тилло жабдуқли бир от ҳадя қилди. Чунки, бу юриш ва ютуқларда оғамнинг алоҳида хизматлари бор эди-да. Эртасига отланиб, Ўратепа сари йўналди. Бурунғорга оғам Султон Маҳмудхон тайинланди, жувонғорга Иброҳимбий манғит қўйилди. Лашкар қаровул¹³⁷⁷ и Ҳақимбек *мирохур* ибн Дониёл *оталиқ* эди. Шу тартиб ва насақ¹³⁷⁸ билан душман тарафга равона бўлдилар. Фарғона қўшини ҳам жанг сафини тузди – уларнинг бурунғор¹³⁷⁹ ида Муҳаммадшариф *оталиқ* турди. Жувонғор¹³⁸⁰ ида Лашкар *бегларбеги* қарор топди. Қаровули эса Гадейбой *парвончи* эди. Шу тартиб билан душман олдига чиқиб, Ўратепага бир фарсах қолган ердаги Обижомак мавзесида ул икки лашкар бир-бирига бақамти келиб, бухороликлар жасурлик самандини йўрттирганча душман устига ташландилар ва қасдма-қасдлик ғазабига миниб, қилич ва ўқ зарби, найза ва шамшир захмидан майдон юзини ғанимининг қизил қонига бўядилар. Муҳаммадалихоннинг амирлари ҳам кучлари етганча курашиб, қон тўкмоққа машғул бўлдилар ва жанг гардини тез айланувчи фалак чўққисига чиқариб, куёш ойнасига қора тус бердилар. Аммо, амир Насруллоҳ қўшинининг толе юлдузи зафар авжигача кўтарилиб, Фарғона лашкари устидан ғолиб чиқдилар. Хўқанд амирлари ночор бўлиб, қочишни ихтиёр этдилар. Бунинг асл сабаби шунда эдики, бу кўрнамак ва сотқин амирлар яширин равишда амир Насруллоҳ билан келишиб олган эдилар. **Рубоий:**

Хубони жаҳон тарабафзоюнд ҳама,
Аз риштаи жон гиреҳ кушоюнд ҳама.
Ойнаи анвори худоянд ҳама,
Лекин чи кунам ки бевафоянд ҳама.
[Жаҳон гўзаллари қувончга қўшарлар қувонч,
Жон риштасидин тугунни ечарлар бариси.
Худо нурининг ойнаси эрур барчаси,
Лекин не қилай, бевафодирлар ҳаммаси].

Алқисса, хўқандлик сардорларнинг Муҳаммадшариф *оталиқ*, Маҳмудхўжа каби ва бошқа бир нечтаси қўлга тушдилар. Аскарларининг кўпи дорилбақога юз тутдилар. Ўша куниси ноиб Абдусаммад ўз қўл остидаги шиа сарбозлари билан илғор солиб, қўшиндан олдин югурганча, Ўратепа шаҳрига кириб олди ва Муғ арки устига чиқиб, бу қизилбош эронийлар олдидан ким чиқса, заррача раҳм қилмай ҳаммани қатлга еткардилар ва барчани шип-шийдон қилиб таладилар. Ўша пайтда Ўратепанинг ҳокими Каримқули *додхоҳ* эди. Ҳокимни ушлаб олиб, шаҳар ташқарисидаги амир Насруллоҳ олдига келтирдилар. Шундан сўнг амир Насруллоҳ яна ҳам дадилланиб, қўшин билан юрганча, шаҳар ичига кирди ва Ўратепа шаҳрини қўлга киритди. Қалъа ичига киргач, Хўқанднинг асир тушган сипоҳидан икки юз-уч юз нафарини қиличдан ўтказиб, бошларини кестирди. Ўша оқшомиси Нав ҳокими Иброҳим *парвоначи* келиб, амирнинг кўрунишини топди. Амир Насруллоҳ Нав қалъаси¹³⁸¹ ни Султон Маҳмудхонга берди. Султон Маҳмудхон эндигина Нав қалъасига етишган эди, Хўжанд тарафдан Абдурахмон *девоубеги* ибн Худоёр валинаъми ва Шоди *додхоҳ* ибн Шоҳи *девоубеги* ва Абдурахмон митан қочиб келдилар ва Муҳаммадалихоннинг катта лашкар билан Хўжанддан ўтиб, Танги мавзесида етганда ўзининг қўшини енгилиб қочгани ҳақида эшитиб, бундан ёнидаги лашкарда ҳам бузулиш рўй берганча, Хўжандни ташлаб Хўқандга кетиб қолгани воқеасини маълум қилдилар. Бу хабарни эшитган оғам Султон Маҳмудхон дарҳол Самарқанд ҳокими Иброҳим

¹³⁷⁷ Қаровул – кўшиннинг соқчилари, муҳофаза дастаси.

¹³⁷⁸ Насақ – низом, қоида.

¹³⁷⁹ Бурунғор — кўшиннинг ўнг қанот қисми. Арабчасига “маймана” ҳам дейилган.

¹³⁸⁰ Жувонғор – кўшиннинг чап қанот қисми. Арабчасига “майсара” ҳам дейилган.

¹³⁸¹ Нав қалъаси – Тожикистоннинг Суғд вилоятида жойлашган ноҳия, Тошканд вилояти билан чегарадош.

парвоначи билан биргалашиб, тезликда Хўжанд шаҳрига кириб бордилар. Ўша пайтда Муҳаммадалихон ўз ўғли Муҳаммадаминхонни Маҳмуд *дастурхончига* ва Мирзо Айюб *китобдорга* кўшиб, амир Насруллоҳ олдига юборди. Улар амир Насруллоҳни Оқсув мавзеси¹³⁸² да учратдилар ва амир Насруллоҳ эртаси куни тезлик билан Хўжанд шаҳрига кириб, ул шаҳарни ҳам эгаллади. Амир Насруллоҳ шундан сўнг Муҳаммадалихон моданинг ўғли Муҳаммадаминхон ёнига ўз элчисини ҳам кўшиб, Хўжандда турган кўйи уларнинг кетишига рухсат берди. Ўзи эса эртасига Хўжанддан кўзғалиб, Қарақчиқум¹³⁸³ мавзесига бориб кўш ташлади. Оғам Султон Маҳмудхон ўз лашкари билан икки кўч олдиндаги Фатр мавзесига кириб келди. Муҳаммадалихон ҳар хил матоҳлардан бир неча тўққиз қилиб ва неча минг тиллолик олтин қўймасини пешкаш йўсини билан тоғаси Холибек *қўшбеги* ибн Абдурахмонқули *оталиқ* ва эшон ҳидоятпаноҳ Сулаймон хўжа шайхулислом ибн жаноб ҳидоятпаноҳ эшон Зокир хўжа шайхулислом ва Ориф хўжа *аълам*¹³⁸⁴ элчилиги воситасида амир Насруллоҳ олдига неча бир узр ва хушомадгўйликлар айтиб юборди. Амир Насруллоҳ Муҳаммадалихон томонидан қилинаётган бу қадар илтижоларни шу умрида сира кўрмаган эди. Булар унинг яна ҳам кеккайишига сабаб бўлиб, ярашишга кўнди ва Хўжанд томонга қайтди. Оғам Султон Маҳмудхон ҳам тушган еридан кўзғалиб, амир Насруллоҳга келиб кўшилди. Эртаси куни амир Насруллоҳ Хўжанд ёрлиғини хос сарупо ва ўзининг хос жабдуқли оти билан бирга кўшиб, Султон Маҳмудхонга юбориб, Хўжанд вилояти ҳукуматини унга топширди. Ўзи эса Хўжанддан кўчиб, Ўратепага бориб кўш ташлади ва Ўратепа ҳокимлигини Бердиёр *эшик оғобошига* топширди. Шундан сўнг ўзи Бухорога қайтди. Анча йўл юриб, давлатининг пойтахтига етишди ва айшу ишратга машғул бўлди.

Султон Маҳмудхоннинг Хўжанд вилоятидаги амирлиги зикри

Султон Маҳмудхон Хўжандда амирлик ўриндиғига ўтириб, ул мамлакатни ўзининг одилона ҳукумронлиги зевари билан безагач ва давлат ишларига киришгач, бу хабар Муҳаммадалихон қулоғига етиб, хас-хашак оловда ёнган каби куйди ва нима чора топишини била олмай, ўй ва ғамга ботди. Бу воқеадан олдин оғамни Шаҳрисабзда пайти бир тангага ҳам олмай юрган ул пир кўрмаган ҳаёсиз мана энди вазият танг келгани сабабли ноилож яхши лутфлар кўрсатиш ва тилёғмаликлар қилишга киришди, аммо, бунинг асносида разилликни ҳам қўлдан бермай, алдов йўлини тута бошлади. **Маснавий:**

Забонҳо гар яке гардад ба тазвир,
Кунад афсунашон бар санг таъсир.
Бад-ин сурат қалами наққош баста,
Ки нақшаш дар дили эшон нишаста.
[Алдов учун тиллар бўлса агар бир,
Афсунлари қилар тошга ҳам таъсир.
Шундай қилиб уларни наққош яратган,
Нақши булар дилларига чунон ярашган].

Алқисса, Султон Маҳмудхон олдига одам юбориб, ўзига иттифоқчи қилишга эришди ва Тошканд ҳукуматини унга берди. Ул соддадил (гаранг) ука муғомбир акасининг сўзига учди. Оғамнинг бу ўйламасдан ва тажрибасизликдан иш тутиши барибир унинг ҳаёт қийинчиликларини кўп тортмагани ва турмушнинг иссиқ-совуғини татиб кўрмагани сабабли рўй бераётган эди. Шунинг учун ҳам оғир кунда қўллаб-қувватлаган амир Насруллоҳдан тезда ва осонликча юз ўгириб, фирибгар акасига кўшилди. **Маснавий:**

Чу давлат атоест аз Кирдигор,
Наояд зи бисёрии хайл кор.
Зи тадбир давлат наояд ба даст,
Зи тақдир дон дар жаҳон ҳар чи ҳаст.
Худо дар жаҳон ҳар чи тақдир кард,
Ба тадбир натавонаш тағйир кард.
[Давлат худодан етган бир атодир,

¹³⁸² Оқсув мавзеи – Зомин тоғларидан оқиб келадиган Ўратепага яқин Оқсув дарёси атрофи.

¹³⁸³ Қарақчиқум – Хўжанд-Қўқон йўлида жойлашган манзил.

¹³⁸⁴ Аълам – билағон, диний-ҳуқуқий масалалар юзасидан фикр берувчи диний амалдор. Одатда, муфтийлар тузган фатво ёки ривоятга аълам муҳр босгач, у кучга кирган ва қозилар ўша ҳужжат асосида ҳукм чиқарган. Бухоро хонлиги даврида ҳар бир қози ёнида аълам бўлган.

Кўплаб-кўмаклар уни қўлга киритиб бўлмас.
Тадбир билан давлат келмас қошинга,
Тақдир қўндирар бу тожни бошинга.
Худо жаҳонда нени тақдир этган бўлса,
Уни тадбир билан ҳеч ўзгартиб бўлмас.)

Хўқанд амирлари оғам Султон Маҳмудхон ҳузурига етишгач, аҳду паймондан сўнг 1256 зу-л-қаъда / 1840 йил 25 декабрь-1841 24 январ ойида айна Жаддий буржи¹³⁸⁵ да маҳали биргалашиб, Тошканд сари йўл олдилар. Шаҳар яқинига етганда Лашкар қўшбеги кутиб олишга чиқиб, оғамнинг узангисини ўпиш шарафини топди ва шаҳарга олиб кирди. Шу зайл Султон Маҳмудхон ҳукумат ўриндиғига ўтирди ва Дашти қипчоқ мамлакатларининг бариси оғам қўлига ўтди. Одатига кўра барча аҳоли боши узра эҳсон қўлини ёйди. Собиқ ҳоким Лашкар қўшбегини эса Хўқандга жўнатди. Оғамнинг ҳукумати давридан беш ой айшу ишрат ва қуш учириб, ов қилиш билан ўтди. **Байт:**

Ҳар вақт хуш ки даст диҳад муғтанам шумор,
Касро вуқуф нест ки анжоми кор чист.
[Яхши кунларга етсанг уни ғанимат бил,
Иш охири нима бўлишин инсон зоти билмас].
Байт: Шоҳ ин ду кор мекунад аз корҳо бас,
Чандонки, мекунам дар аҳволи у назар.
Ё дар шаробхона хўрад бода чу лаъл,
Ё дар шикоргоҳ кунад сайди жонвар.
[Бошқа ишлар қолиб шоҳлар шу икки ишни,
Қилишар мен қачон қарамайин улар ишига:
Ё майхонада лаълдек қизил шароб ичишар,
Ё шикоргоҳда жониворларни ов қилишар].

Ақл эгаларига маълумки, мамлакат қаровчиси ва лашкар эгаси ёшлик онлари бойлигини шикор ва шароб йўлида сарфласа, қандай қилиб халқ аҳволига қарай олади ва қандай қилиб халққа ризқ ва лашкар аҳлига нафақа едира олади. **Байт:**

Чу хусрав кунад майли мастию хоб,
Шавад бегумон хонумонаш хароб.
[Шоҳ одат қилса мастлик ва уйқуни,
Шаксиз хароб бўлур хонумони].

Қиш фасли охирлаб, гул-чечаклар лашкари дала ва даштлар юзини тўлдиргач, қиш қўшини баҳор лашкари ҳужумига дош бера олмай, орқага чекинган, офтобнинг шарқ насабли ҳоқони Баҳром¹³⁸⁶нинг уйини фатҳ этгач ва улуғлик байроғи еттинчи чархдан ўтказгач, **Байт:**

Султони жаҳон, наварди айём,
Зад хайма ба тахтгоҳи Баҳром.
Афрохт алам зи лола дар дашт,
Олам зи сепоҳи сабза пур гашт.
[Жаҳон султони, замон сайёҳи,
Баҳром тахти узра чодир қурди.
Лоладан дашт аро байроқ тикди,

Олам яшиллик қўшинидан тўлди]. – Амир Насруллоҳ Султон Маҳмудхоннинг юз ўгириб, акаси томонига ўтиб кетганидан хабар топди ва соч толасидек ўтда жижғанақ бўлиб товланди.

Амир Насруллоҳнинг Хўқанд томонга иккинчи марта қўшин тортгани ва ул ўлкани забт этгач, Муҳаммадалихон мода ва Султон Маҳмудхон ва Муҳаммадаминхон ҳамда барча бошқа яқинларини ўлдиргани зикри

¹³⁸⁵ Бурж – Йилдаги 12 ой (бурж) – Ҳамал (Қўй – 22 март – 22 апрел), Савр (Хўкиз), Жавзо (Эгизаклар – 23 май – 24 июн), Саратон (Қисқичбақа), Асад (Шер), Сунбула (Қўлида бошоқ ушлаган қиз), Мезон (Тарози), Ақраб (Чаён), Қавс (Ўқ ёй), Жадий (Эчки), Далв (Челак), Хут (Балиқ – 20 феврал – 22 март) буржларини осмон табақалари ҳисобланган еттита сайёра – Ой (Қамар), Уторид (Меркурий), Зухра (Венера, Нохид), Қуёш, Миррих (Марс, Баҳром), Муштарий (Буржис, Юпитер, Саъди Акбар), Зухал (Сатурн) каби сайёралар мазкур буржларни маълум бир даврда босиб ўтадилар, жумладан, Ой уларни бир ой ичида босиб ўтади. Сайёралар бахт, уруш, ёмонлик сингари рамзларга ҳам эга.

¹³⁸⁶ Баҳром юнонлардаги шон-шавкат ва жанг худоси Миррихнинг шарқдаги номи. Бу ерда шу юлдузнинг жойлашишига ишора қилинмоқда.

Амир Насруллоҳ бу хабарни эшитиб, дарҳол катта қўшин билан Фарғона тарафга йўл олди. Анча манзилларни босиб ўтиб, Ўратепа вилоятига етишди ва шу шаҳарга қўш ташлади. У ерда бирпас тин олгач, яна қўзғалиб, Оксув манзилига бориб тушди. Ўша вақтда Хўқанд сипоҳининг амирлари Хўжандда йиғилган эдилар. Уларга амир Насруллоҳнинг келгани маълум бўлгач, барчаси якдиллик билан шаҳардан чиқиб, Тангий мавзесида саф тизилиб, уруш тадорикини кўрдилар. Амир Насруллоҳ ҳам Оксувдан кўчиб, мазкур мавзегга келди ва икки лашкар бир-бири устига ташланди. Дев сийратли довьюраклар ва жанговар паҳлавонлар жасурлик отини ниқталаб, жанг майдонига қараб чопдилар. Қалин чанг-тўзон кўтарилиб, файз нурларини таратувчи хуршид юзини зулмат асарли ниқоб билан тўсди ва олтин рангли дубулғалар яраклаши ва шам кирдорли найзалар учининг ялт-юлт чараклашидан эса жанг майдони нурга тўлиб, кўзлар қамашди. **Назм:**

Пайваст ба чарх гарди лашкар,
Барбаст ниқоб меҳри анвар.
Аз ҳар сипаре ва лек он рўз,
Шуд кубба чу меҳри олам афрўз.
[Лашкар чанги туташиб осмонга,
Қуёш юзига ниқоб бўлиб қолди.
Аммо, оламтоб қуёш, осмон бугун
Жангчилар қалқонидан ясаиб қолди].

Ямоний қиличлар¹³⁸⁷ бошларни учиршига киришиб, руҳларни фоний тан қафаси танглигидан қутқарар ва тез учувчи ўқ лочини камон ошиёнидан парвоз қилиб, саркардалар ва сардорлар миясини ўзи учун ем қилар, «барча нарсалар фонийдир»¹³⁸⁸ калимаси битилган Хаттий найзалар¹³⁸⁹ ёшу қарининг тақдир пешонасига ул оятни етказар эди. Зумрад баданли қиличлар довьюраклар қонидан кизил ёқут рангига кириб, биёбон қумлари-ю, Сайхун дарёси сувини лаъл ва маржон тусига айлантиришдан дарак берарди. **Рубоий:**

Аз шўълаи шамъи ҳар синоне,
Шуд сўхта қадри паҳлавоне.
Аз акси замин ки ғарқи хун буд,
Фирўзаи чарх лаългун буд.
[Ҳар бир найза шами шўъласидан,
Паҳлавонлик қадри куйиб кул бўлди.
Қонга ғарқ бўлган ер аксидан,
Осмон ферузаси лаъл рангига кирди].

Анча уруш ва жангдан сўнг бахт юлдузи амир Насруллоҳ боши устидан балқиб чиқди, Хўқанд лашкари эса енгилди. Ёшу қарининг тadbир ишлари чиппакка чиқди ва Фарғона қўшинидагилар амир Насруллоҳ аскарларининг ўқ ва қиличлари зарбидан ўлим тупроғи узра қуладилар. Ўлмайд қолган сипоҳилар эса қочиш водийси сари юзланиб, тум-тарақай бўлдилар. Хўқандлик амирларнинг кўпи эса асир тушди. Улар орасида Муҳаммадалихоннинг тоғаси Холибек *қўшбеги* ибн Раҳмонқули *оталиқ* ва Гадейбой *парвоначи* ибн Довул *парвоначи* ва шу кабилардан яна бир нечтаси бор эди. Фарғона аскарларидан кўпи шамширга ем бўлмаслик учун ўзини дарёга отиб, дарё балиқлари луқмасига айландилар. Алқисса, амир Насруллоҳга фатҳ ва нусрат юзи жамолини кўрсатиб, олдинга қараб силжийверди ва аскарлари қочганлар билан бирга ўша ондаёқ Хўжанд шаҳрига кириб олдилар. Эртаси куни эса шундай талон-торожга қўл чўздиларки, аҳолининг эғнида авратини бекитиш учун бир парча латта қолдирмай тортиб олдилар. Барча бош очик, оёқ яланг кўчаву бозорларда дайдиб юришарди. Индинига амир Насруллоҳ шаҳарга кирди ва ғолиб лашкардан ҳеч бир кимса аҳолидан ҳеч бировининг молига тегмасин, дея жар чиқиртирди. Ўша вақтда амир лашкарининг илғор қисми Ўратепага етиб, амир Насруллоҳ ул вилоятни ҳам эгаллади. Эртаси куни у ердан кўчиб, Тошқўрғонга бориб қўш ташлади. Тошқўрғондан чиқиб эса Хўқанд сари юзланиб, тўрт манзилдан сўнг Бешариқ¹³⁹⁰ манзилига бориб тушди. Уч кун ўша ерда тўхтади. Тўртинчи куни Муҳаммадалихон мода ўғли Муҳаммадаминхонни Лашкар *қўшбегига* қўшиб, амир Насруллоҳ билан учрашиш учун жўнатди. Амир Насруллоҳ бу гал уларни қайтариб юбормай, ушлаб қолди. Муҳаммадалихон олдига эса бошқа элчиларни юборди. Ўзи эса Бешариқдан чиқиб, Қўшкўпрук мавзегга бориб қўнди.

¹³⁸⁷ Яманда ишланган ва Ямон юлдузи каби ялтироқ пўлат қиличларга сўз ўйини орқали ишора қилинмоқда.

¹³⁸⁸ Қуръони карим, 3:180.

¹³⁸⁹ Яман вилоятининг Хатт ўлкасида ишланган ва хат (чизик) каби тўғри найзалар сўз ўйини воситасида англлатилмоқда.

¹³⁹⁰ Бешариқ – Фарғона вилоятидаги туман маркази, шаҳар.

Султон Маҳмудхоннинг Тошканд шахридан салтанат пойтахти Хўқандга боргани ва у жаҳон кўрмаган хоннинг шахидлик топгани зикри

Оғам Султон Маҳмудхон бу хабарларни эшитгач, ор-номус ҳиссиёти жунбушга келиб, давлати муддати поёнига етган ва белгиланган ҳаёти ниҳоя топган ҳамда барча сайъ-ҳаракат ва интилишлари фойдасиз чиқишга маҳкум экан, иш чаппасига кетганини билса ҳам наби *алайҳиссалом*нинг «қазо келса кўздан нур қочар» ҳадисига кўра қазо уни судраб-тортқилад олдига солиб кетди. **Қитъа:**

Қазо дастест панж ангушт дорад,
Агар хоҳад ба кас меҳнат гуморад.
Ду бар чашмаш ниҳад, ду дар баногўш,
Яке бар лаб ниҳад, гўяд: хомўш!
[Қазо беш бармоқли бир қўл эрур,
Хоҳласа кишига азоб тайин этар.
Икки бармоғин кўз, иккисин қулоққа,
Бирин лабига босиб дер: энди жим тур!)

Оғам Султон Маҳмудхон шу кўйи ноилож катта лашкар билан довон йўли орқали Хўқанд сари юзланди. Уч манзил масофадан сўнг Сайхун дарёсидан кечиб ўтгач барча Хўқанд амирлари истиқболига чиқдилар ва тун ярмидан оққанда Хўқанд шахрига кириб борди. Илгарилари ул кўзлар нурининг номини атайлаб ва қасддан тилга олмайдиган Муҳаммадалихон мода айни чоғда бу укасини бағрига босиб кўришди ва мўл-кўл кўз ёшларини тўкди. Оғам кетишга рухсат олиб, ҳарамга кирди ва онаси ҳаёлик паноҳи Моҳлар ойм уни бағрига босиб, юз ва пешонасидан ўпди. Моҳлор ойм ҳам тўйиб-тўйиб йиғлади. Шундан сўнг ҳарам аҳлининг бариси Султон Маҳмудхон келганидан ўзларида йўқ севиниб, енгил нафас олишди. Кейин оғам ташқарига чиқди ва давлат ишларини кўлига олди. Муҳаммадалихон хазинаву дафина ҳамда давлат тизгинини туғишган укаси кўлига топширди. Ўзи эса ноиложлик юзасидан бўлса-да, тахтдан воз кечганини эълон қилди. **Байт:**

Зар фиристодани Маҳмуд бад-он мемонад:
«Нўшдору ки пас аз марг ба Сўҳроб диҳанд»¹³⁹¹

[Маҳмуд (Ғазнавийнинг) (Фирдавсийга) олтин юборгани,
«Эмдори-нашатирни Сухроб ўлгач берганлари кабидир].

Эртаси куни оғам хазина эшикларини ланг очиб, эҳсон қўлини ёзди. Саййидлар ва аҳли уламо, амирлар ва фуқаро ул кўзлар нурининг хоки пойини кўзларига тўтиё қилиб сурдилар ва белларини бир неча еридан маҳкам боғлаб, хизматга шай турдилар. Аммо, ул бахти қайтганнинг ҳам қазо ёқасидан олган экан, инъом ва эҳсон ҳамда сайъ-ҳаракатлардан ҳеч бир фойда чиқмади. **Қитъа:**

Замона чу бод аст, бод аз нахуст,
Ниқоб аз рухи гул бағайрат кашад.
Пас аз ҳафтае аз миёни чаман,
Танашро ба хоки мазаллат кашад.
[Замона елга ўхшар – ел аввал ахир,
Ҳасад ила гул юзидан ниқобин олар.
Бир ҳафтадан сўнг чамандан юлқир,
Танасини хорлик тупроғига солар].

Амир Насруллоҳ кўзлар нури Султон Маҳмудхоннинг келганидан хабар топгач, ўтга тушган соч толасидек жизғанақ бўлди ва қаҳру ғазаби кўзғаб, Қўшкўпрук мавзесидан ҳаракатланиб, Найманча¹³⁹² мавзесига кириб борди. **Байт:**

Рўзи дигар ки чархи шўъбадабоз,
Карда сандуқи ҳийларо боз.
[Эртаси куни ўйинлар кўрсатувчи фалак,
Ҳийла-найранг сандиғин очди бўлуб ҳалак].

1258 йил раби ус-соний ойининг бошида/1842 йил 12 май, Саврнинг йигирма учинчисида чоршанба куни тонг маҳали куёш Жамшиди оқ яловини зангори осмон устида ҳилпиратгач, юлдузлар устини шул байроқ нури билан беркитгач ва қоронғулик кўшинини йўқ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгач, амир Насруллоҳ кўшин тайёргарлигини кўздан кечириш сари юзланиб, *ноиб* Абдусамадга ўзининг қаҳри қаттиқ ва дили адоватга тўла қизилбош сарбозлари билан ҳировулда

¹³⁹¹ Форс халқи мақоли, ўзбекчадаги “Ҳайит ўтгач ҳинони орқангга қўй” мақолига тўғри келади. Сўҳроб – “Шохнома” қаҳрамони. У отаси Рустам томонидан ўлдирилгач, отаси Кайковусдан жон ато этувчи дори сўрайди. Бироқ шох дорини Сўҳроб вафот этгандан сўнг бериб юборган. Бу ҳодиса “Шохнома”нинг “Рустам ва Сўҳроб” достонида баён қилинган.

¹³⁹² Найманча – Фарғона вилояти Данғара туманидаги қишлоқ номи.

таваккал байроғини кўтаришни буюрди. Саркардалардан жасур бир гуруҳини Самарқанд ҳокими Иброҳимбий манқит ва Ургут ҳокими Одил *додхоҳ* минг ва Дониёл *оталиқ*нинг невараси Баҳодир *мирохур* кенагас билан бурунғорда душман ишини бир ёқлик қилишлари учун жойлаштирди. Ҳисори Шодмон ҳокими Сўфи *девонбеги* ибн Саййид *оталиқ* юз ва Ўратепа ҳокими Бердиёр *эшик оғобоши* ва Абдурахмон митан каби жанг қаҳрамонлари жувонғордан туриб шаҳар томон бостириб борадиган бўлишди. Бошқа амирлар эса амир Насруллоҳ туғи остида шаҳарга қараб юришди. Уруш бошланиб, анча мардонавор олишувлардан сўнг чоштгоҳ вақтида Абдусаммад *ноиб* шаҳарга кириб, тўплардан чунонам ўт очдики, Муҳаммадалихон мода шаҳарда тургандан кўра, қочиб қолишни минг карра афзал билди. Султон Маҳмудхон ҳам қараб турмай, қочишни ихтиёр қилди. Шундан сўнг амир Насруллоҳ ўрдага кирди, шу заҳоти аскарӣ сарбозлар ва ул кофир қизилбошлар яъжуж-маъжуж лашкарига ўхшаб, ўзларини ўрдадаги қароргоҳ ва ҳарамга урдилар. Аскарлар хазина устида талашиб, жанжал ғавғосини осмонга етказиб, мамлакатнинг йиллаб йиғилган ғазнасини бир зумда яғмо ва торож елига совурдилар. Ул ҳайвонга ўхшаш кимсалар оху кўзлик гўзаллар ва ҳаё пардаси ортидаги хурлар устига ёпирилиб, парипайкарларнинг эгинларидаги ҳарир кийим ва қимматбаҳо либосларини танларидан ечиб олдилар. Муҳаммадалихон моданинг исмат пардасининг мастураси саналган онаси Моҳлор ойимни ҳарам нозанинлари билан бирга оёқ очик, бош яланг ҳолатда неча бир хору зорликка солганча ўрдадан судраб ташқари чиқариб, бир уйга қамаб қўйдилар. Саройдаги бир неча йиллар давомида йиғилган гилам, зарҳал кўрпа-тўшак, олтин, кумуш ва асл матоҳ, газлама ҳамда қимматбаҳо буюмларнинг барчасини бир қолдирмай олиб кетишди. **Байт:**

Зи ончунон сангдилиҳо ки аз он қавм омад,
Гар наборад зи фалак санг, зиҳи мустангир.
[Ул қавмдан келган бу каби тошбағирликдан сўнг,
Осмондан тош ёғмаса, яшасин-эй, у ҳам худодан].

Ўзбеклар ҳам қизилбошларга эргашиб, шаҳар халқини чунонам таладиларки, бечора аҳоли босқинчилардан қочганча бир қўли билан олд авратини тўсган ва яна бир қўли билан орқасини бекитган кўйи кўчаларда зир югуриб юришарди. Хўқанднинг дилни ёқувчи пайваста қошли юзлари ва юракларни доғловчи сочларига пардоз-андоз бериш, ювиб-тарашда атир-упанинг унча-бунчасини ишлатишга ор қилувчи ва гул ифори ҳидидан ҳам озор чекувчи паричеҳра қизлари ва хурлиқо жононлари ул девбашара ўзбеклар қўлига тушди ва ул уятсиз махлуқлар ҳам не зулм бўлса бу мазлумалар ҳаққида қилишди. Ул гулбадан ва ой юзликларни ўлжа қилиб, отлари сағрисига бош очик, оёқ яланг мингаштирган кўйи олиб кетишди. Агар қиёмат куни ҳам бундай кунни кўрса, ер юзи ғазабли фарёддан ларзага келган бўларди. **Шеър:**

Ба аҳди ҳеч кас ҳам ин чунин зулм,
Надод ёд аз наздик, аз дур.
Фигон аз олами боло баромад,
Хурўш аз шаҳр ва аз саҳро баромад.
Он Мисри маъдилат ки ту диди хароб шуд,
Ва он Нили мукаррамат ки шуниди сароб шуд.
[Ҳеч бир шоҳ даврида бундай зулмни кўришмаган,
Узоқ ва яқин ўтмишда ҳам бунақаси бўлмаган.
Оламдан фигон чиқди ўрлаб осмонга,
Шаҳару қишлоқдан эшитилди оҳ-дод саси.
Сен кўрган ул адолат Мисри хароб бўлди,
Эшитганинг муборак Нил суви сароб бўлди].

Бир кеча-кундуздан сўнггина бу ўлдир-ўлдир ва тала-тала ишлари тўхтади. Ўша вақтда Муҳаммадалихон қишлоқ йўллари орқали Марғинон¹³⁹³ томонга қочиб борди. Ёнида беш-олтигина маҳрами бор эди. Бошқа бирон сарбоз ёки аскарӣ йўқ эди. Марғилонни ҳам тарк этиб, тез суръатларда Андижонга етиб олди. У ердан Бўтақора қишлоғи¹³⁹⁴ га борди ва бу билан деярлик амир Насруллоҳнинг лашкарбошилари таъқибидан қутулган эди. Аммо қазо ёқасидан олган экан, олдинга бир неча одим отишга ҳам қўймади. Гапнинг қисқаси шуки, у ердан тағин Хўқанд томонга юзланди. Бу пайтга келиб, ёнида икки маҳрамидан бошқа ҳеч бир киши қолмаган эди. Афсус-надомат чеккан кўйи кўзларидан шашқатор ёшларини дув-дув оқизиб, ҳодисалар юзага чиқарувчи фалак не усуллар кўрсатгани ва турмуш не ўйинлар қўзғатганини англади. **Қитъа:**

¹³⁹³ Марғинон/Марғилон – Фарғона вилоятидаги шаҳар.

¹³⁹⁴ Бўтақора қишлоғи – Бўтақора – Андижон туманидаги қишлоқ номи.

Чу шуд бахт бедору ў хуфтаву хоб,
Бар ў баста шуд роҳи ройи савоб.
Пушаймон шуд аз ҳар чи ў карда буд,
Ва лекин надомат намедод суд.
[Уйғоқ бахти уйқу-ю, хобга кетгач,
У сари бекилди тўғри ишлар йўли.
Не иш қилган эса бўлди пушмонлиғ,
Лекин энди бермас надомат ҳеч нафъ].

Ул саҳрода саргардон юраркан, қаерга боришини билмас эди. Ниҳоят тун ярмидан ўтганда, Марғинон яқинидаги бир работга келиб тушди. Бу воқеадан олдин Хўқанд фуқароси исён кўтариб, Муҳаммадалихоннинг ўша ҳам ўғай онаси ва ҳам суюкли хотини саналган Пошшоҳон исмли завжасини Хўқанд шаҳридан Марғинонга тарафга иккита «мақто» ўғли билан бирга қўшиб, бадарға қилдирган эдилар. Муҳаммадалихон ўша работга келгач, у ердан ёнидаги маҳрамларидан бирини хотини Пошшоҳон олдига ушбу сўзларни айттириб жўнатди: «Сени деб икки дунёмни ютқаздим ва диндан чиқдим. Ҳозир бошимга қийин иш тушиб турибди. Ёнимда ҳеч кимса қолмади. Кел, биргаликда шаҳардан чиқиб кетайлик». Маҳрам хабарни етказди. Ул гўзал эса секингина кула бошлади ва «ахир ул нопок эрим «Баҳори дониш» китобининг ўз эри бошига не ўйинларни солган беш маккора хотин воқеаси бобини ўқимаганмикан? Бархурдор Туркман қаламига мансуб «Маҳфилоро» китоби¹³⁹⁵ даги ўз эрларини лақиллатган қози ва раиснинг хотинлари ҳақидаги ҳикояларни мутоала этмаганмикан? Ёки наҳотки «Тўтинома»¹³⁹⁶, «Чор дарвеш»¹³⁹⁷ асарларини варақламаган бўлса ва Аҳмад ибн Юсуф ёзган ва Саййид Жобирхон Шерозий топшириғига биноан Муҳаммадсаид ат-табиб ибн Муҳаммадсодиқ ал-Исфажоний шарҳлар билан араб тилидан форсчага таржима қилган «Жомеъ ал-абвоб» китобига назари тушмаган эрса? Ҳа, шуларни била туриб, нега мени яна ўзи ёнига чорламоқда? Мазкур китобларда айтилган маъноларга кўра, эрлар давлат кўлида бор пайти хотинларидан не яхшилик кўрибдиларки, ҳеч нарсасиз қолган оғир кунлар ва қийинчилик чоғи яна улардан мурувват кутсалар». Пошшоҳон шуларни айтгач, келган чопарни орқасига қайтариб юбораркан, ушбу байтни ўқиди, **байт:**

Чун нақши вафоии аҳд бастанд,
Бар номи занон қалам шикастанд.
Зан дуст бувад, вале замоне,
То жўз ту наёфт меҳрибоне.
Чун дар бари дигаре бўбинад,
Хоҳад туро дигар набинад.
[Вафолик борасида ким боғласа шарт,
Хотинларда вафо йўқлигидан ютқзади.
Хотин дўст бўлади фақат шул замонда,
Токи сендан ўзга бир меҳрибон кўрмаса.
Ўзганинг оғушига тушиб қолган пайт эса,
Қайтиб сени кўрмасам дейди, бу ҳақиқат].

Чопар ул нопок олдига келгач, Пошшоҳондан нимани эшитган бўлса, бир қолдирмай айтиб берди. Шундан сўнг қайтадан чопар жўнатиб, у орқали «ахир эй бевафо, бу замон аҳдингда турмай, не ўйин ва не найрангу қилиқлар кўрсатмоқдасан?» деб айттирди. Чопар учқур отига ўтириб, тезликда ул раъно олдига борди ва эрнинг пайғомини етказди. Хонпошшо воқеадан хабар топгач, хат келтирган қосидга қараб «бориб ул Муҳаммадалихон модага айт, афсона тўқимасин ва афсун солмасин, ҳусни гўзаллигига маҳлиё таннозлардан вафо кутган кишининг мижози Сурайё юлдузигача чиқа олиш даражасида матонатли ва жафокорлардан вафони кўзлаган киши гул

¹³⁹⁵ Бархурдор Туркман қаламига мансуб «Маҳфилоро» китоби – Бархурдор ибн Маҳмуди Туркмони Фароҳий (XVII аср)нинг асари. Тахаллуси шеърда «Мумтоз». Бархурдор ўз асарларида ахлоқи пок ҳамидани тарғиб қилган. Бироқ унинг «Маҳфилоро» асари йўқолган. Адибнинг бизгача фақат «Маҳбуб ал-кулуб» асари етиб келган.

¹³⁹⁶ Тўтинома – Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган ахлоқий-эстетик мавзудаги асар. Ҳиндистонда санскрит тилида халқ оғзаки ижоди асосида яратилган. Унда тўтиқушнинг шаҳзода Маймун ва унинг хотини Хужаста ҳақидаги ибратли ҳикоялари мажозий шаклда бадиий акс эттирилади. «Тўтинома» 52 ҳикоядан иборат. Зиё Нахшабий «Тўтинома» номи билан форс-тожик тилига таржима қилган (1330). Унинг бир қанча вариантлари яратилган: Ҳиндистонда Муҳаммад Қодирий (XVII-XVIII асрлар) асарнинг форсча, Латифий (XIX аср) ўзбекча нусхасини яратдилар (Ўзбекистон ФА ШИ сақланади). Шу даврда Мулла Қурбон Хиромий Зиё Нахшабий асарини ўзбек тилида шеърӣ йўлда ёзиб чиққан. «Тўтинома» форс, инглиз, немис, француз, рус ва б. тилларга ҳам таржима қилинган. Ўзбек тилида бир неча бор нашр этилган.

¹³⁹⁷ Чор дарвеш – Хиромий тахаллусли Мирзо Қурбон (тав. 1796, Китоб шаҳри. Вафоти номаълум.) шоирнинг достони. 1834 й. ёзилган.

ниҳолини гулхан оловига ўтқазмоқ тоқатига эга бўлмоғи лозим. Ахир ушбу шеърни эшитмаганмикан, **байт:**

Гуфтам: зи меҳрварзон расми вафо биомўз,
 Гуфто: зи моҳруён ин кор камтар ояд.
 [Дедим: меҳр кўрсатувчилардан вафо расмин ўрган.
 Деди: ой юзлилардан бу ишлар камроқ юз беради»].

Қосид хабарни келтиргач, унинг тилидан бу хабарни эшитган ул биёбон деви шу заҳоти йиқилиб тушди ва бироздан сўнг ўзига келиб, нопок бошини пок заминдан юқори кўтарди. Дардга тўла юраги тубидан бир аламли оҳ тортди ва тақдирга тан бериб, ушбу рубоийни ўқиди, **рубоий:**

Бо чархи ситезакор маситезу бирав,
 Бо гардиши даҳр бар наомезу бирав.
 Он косаи пурзаҳр ки маргаш хонанд,
 Хуш даркашу журъа бар жаҳон резу бирав.
 [Зулмкор замондан қасд оламан деб юрма-ю, кетавер,
 Айланувчи фалак бўғзидан олишни ўйлама, кетавер.
 Ўлим деб атайдиганлари ул заҳарга тўла косадан,
 Яхшилаб сипқору, бир томчисин ерга ҳам сепу кетавер¹³⁹⁸].

Ўша вақтда амир Насруллоҳ Хўқандни эгаллаб, аслида Хўқанднинг нону тузини еб одам қаторига кўшилган ва бир неча йил Марғинон сипоҳиларига сардорлик қилган ҳамда ўтган йил Ўратепа урушида амир Насруллоҳ кўлига асир тушган Муҳаммад хўжа исмли бир Тошкандлик пир кўрмаганни дарҳол Ўратепа ҳокими Бердиёр *эшик оғобоши* билан бирга кўшиб, Муҳаммадалихон модани топиш учун изидан жўнатди. Ул кўрнамак хўжа билан ёнидагилар ҳеч ерда нафас ростламасдан ов итлари каби ул бахтиқарони тўхтовсиз равишда тез суръатларда таъкиб қилиб боришарди. Иттифоқо, ул семиз ов ўша работда бу исковичлар кўлига осонгина туша қолди. Қилган иши хўжалик насабига ярашмаган ул хўжа ўз эгасини асир олишни ўзи учун айни фахр ва ифтихор деб билиб, Муҳаммадалихонни кўлга тушириб берди. Аммо шу тобда бу ёмон феълнинг кўп ўтмай ўзининг балога дучор бўлажигига бир башорат эканини билмасди. **Байт:**

Ин чунин кардаи ту охири кор,
 Чун пушаймон шави надорад суд.
 [Бу каби ишни қилдинг, аммо бир кун,
 Пушаймон бўларсан, ундан чиқмас наф].

Муҳаммадалихоннинг эгнидан барча подшоҳлик устивошларини ечиб олишди ва ҳеч қайсиниси беш дирҳамга ҳам арзимайдиган битта олача тўн ва бир салла келтириб, ул бахти қайтганга кийдиришди. Ҳа, кажрафтор фалакнинг иши шундан бўлак нарса эмас – гоҳ подшоҳлик либосини ечиб олиб, гадолик жандасини эгнингизга ташлайди, гоҳ эса гадолик кийимини устингиздан иткитиб, подшоҳлик либосини устингизга ёпади. Оқил ул кишиким, ҳеч бир ҳолатда ҳам бойлигига қувонмайди, йўқсиллигига эса ташвиш тортмайди. **Назм:**

Агар ба чашми тааммул ба хок дарнигари,
 Ба зери пои худ андар ҳазор сар ёби.
 Агар на бар дили кўҳаст хор аз гардун,
 Фусурда хун зи чи дар синаи ҳажар ёби.
 Гузар ба лолаву бўстон чу бод андар хок,
 Ғариқи хун ҳам сарҳои сарварон ёби.
 [Тафаккур кўзила боқсанг агар тупроққа,
 Қодирсан оёқ остида минглаб бош кўрмоққа.
 Тоғ қалбида ҳам фалак жабри бор, чун ёрсанг
 Тошни, ичидан қондек лаълу ақиқ чиқади.
 Лолазору бўстондан елдек ўтгил, тупроғи узра,
 Сарварларнинг бариси бошин қонга ғарқ кўрасан].

Муҳаммадалихоннинг отхонасида елдек учар минг бош от парвариш қилиниб, доимо тўқ ҳолда боқилар эди. Ўша куниси эса ул ғариб бечора яёв қолди. Миниши учун от тугул битта эшак ҳам йўқ эди. Ул насибаси бу дунёдан узилган хўжайин ёнида фақат унга бир умр *надим* бўлган вафодор

¹³⁹⁸ Қадимги қуёшпараст ва оташпарастлар қоидаси бўйича майкада (иботхона)да май ичилгач, узум каби бошқа нозу неъматларни берган ер узра ҳам миннатдорлик маъносига бир қултум шароб сепилган ва бу одатга Ҳофиз, Навоий ғазалларида ҳам тассаввуфна рамзлар орқали ишора қилинган.

махрамгина ўз шоҳидан айрилмасдан ва еган нон-тузини оқлаб, ҳамроҳлик қилиб келмоқда эди.

Байт:

Миннати як устухонро саг шиносад солхо,
Онки неки диду бад сар кард аз саг камтар аст.
[Ит берган битта суякнинг хурматини бир умр унутмас,
Яхшилигинг кўриб, ёмонлик қилган киши одам эмас, Э итдан бадтарир)¹³⁹⁹.

Муҳаммадалихонни аравага юклаб, Хўқанд сари юзландилар. Ул бечора қон тўла бағир ва ёник жону юз-кўзи узра минг қатра ёш томчиларини оқизарди. **Байт:**

Ку қуввати пое ки маро гирад даст,
То боз равам пеши ажал гоме чанд.
[Қани оёғимда мадор кўлласа мени бу дам,
Ажал олдиға борсам ташлаб бир неча қадам].

Йўл асносида аянчли аҳволга тушган хон мурувватсиз бераҳмлардан «мени кундузи шаҳарга олиб кирманглар, шаҳарга кечаси қоронғуда киритинглар» деб қанчалик ўтиниб-ёлвормасин, бебоклар унинг сўзини тингламай, кундуз куни пешиндан сўнг Хўқанд шаҳрига олиб кирдилар. Шунча золимлиги ва шаҳар халқига кўрсатган чексиз ёмонлигига қарамай, ому хос ўз шоҳини бу каби аянчли аҳволда кўриб, барчаси шафқатсиз ва икки юзламачи фалакнинг ишидан ҳайрону-лол бўлганча, хўнграб йиғлашга тушдилар. Муҳаммадалихон модани шу кўйи амир Насруллоҳ олдиға олиб боришди. Ҳар икки подшоҳнинг кўзи узоқдан бир-бирига тушган заҳоти амир Насруллоҳ рақибини қамоққа олишларини буюрди.

Ўша пайтдаги мазкур қамоқ мутасаддиси бу воқеалардан сўнг, аниқроғи, амир Насруллоҳ Хўқанддан Бухорога қайтгач, амир Насруллоҳ томонидан Шаҳрисабзга Хўжақули *парвоначи* олдиға элчи бўлиб келди. Биз ундан Муҳаммадалихон воқеаси тўғрисида суриштирдик. Шунда у куйидагиларни ҳикоя қилиб берди: «Муҳаммадалихон ҳибсга олинганда шу уй қамоғининг масъул мутасаддиси мен эдим. Доимо ёнида ўтиришим шарт эди. Қўл остимдаги бир неча қоровуллар билан топшириқни адо этарканмиз, Муҳаммадалихон бизга қараб чурқ этмай ўтирарди. Хуфтондан сўнг менга қараб «уч кундан бери бирон нарса татиб кўрмадим, агар озгина овқат бўлса, есам» деди. Мен унинг бу илтимосини амир Насруллоҳга етказдим. Амир бир товоқ палов юбортирди. Муҳаммадалихон қанчалик ейишга уринмасин, томоғидан бирон нарса ўтмасди. Ниҳоят, овқатдан кўлини тортаркан «томоғимдан ўтмаяпти, ея олмайман, озгина қандчой бўлса ичардим» деди. Ёнимизда қанд йўқ эди, озгина наввот бор эди. Унга наввотчой қилиб бердик. Икки пиёлагина ичди. Шундан сўнг «агар ижозат бўлса, озгина ухласам» деди. Биз жуда яхши бўлишини айтдик. Ул йўлини йўқотган банда бошини ёстикқа кўйди ва уйкуга кетди. Биз кўриқлаб ўтирдик. Шунда бирдан уйқудан чўчиб туриб, ўрнидан бир қат ирғиганча чордона куриб ўтириб олди. Худди бирон нарсасини йўқотган одамдек ва кўзининг соққалари қон тўла тосга айланган кўйи телбаларга ўхшаб, ҳар томонга олазарак бўлиб, аланг-жалаң қарай бошлади. Сўнг яна бошини ёстикқа кўйди ва уйкуга кетди. Унинг бу ҳолати уч марта қайталанди. Афтидан ўлим шарпаси ўз ҳолиға кўймаётган эди. Учинчи марта уйғониб, ҳалигидай ўтириб олганидан сўнг «ухлай олмайман, агар бир қумғон сув бўлса, таҳорат олардим, аммо сув илиқ бўлсин» деди. Аксига олиб иссиқ сувимиз йўқ экан. Ўшанда сахар вақти ҳам яқинлашган бўлиб, ўртоқларимиз орасидан юзи йўқ обрўсиз биттаси «иссиқ сувни қаердан оламиз, совуқ сув топилса ҳам жон денг» деди ва ушбу мисрани ўқиди, **Мисраъ:** Ин ноз ба хонаи падар бояд кард (Бу нозингни отангнинг уйида қиласан); Муҳаммадалихон ул шармсиздан бу сўзни эшитгач, нафаси ичига тушиб, индамай қолди ва бошини куйи солган кўйи жим ўтираверди. Бироздан сўнг эса икки кўзидан дув-дув ёш куйилиб келди. Анчагача ўпкасини боса олмай, йиғи билан бўлди. Унинг йиғиси бизга ҳам таъсир қилди, биз ҳам хоннинг бу аҳволиға ачиниб, ўпкамиз тўлиб, пиқ-пиқ йиғлаб олдик. Ўша ҳолатда Муҳаммадалихон «ташқарига чиқиб таҳорат ушатмоқчи эдим» деб қолди. Биз эса «жуда яхши» дедик ва ўзимиз билан бирга ташқарига олиб чиқдик. Айни ўша аснода Миррих савлатли иккита жаллод етиб келиб, Муҳаммадалихонни дурустроқ таҳорат синдиришга ҳам кўймай, иккала девга менгзар бебок ул Фарғона шоҳини икки томон кўлтиғидан кириб, ичкари томон судраб кетдилар. Муҳаммадалихон ўлими яқинлашганини аниқ сезиб, олдинга юрмас ва ўзини орқага ташлаб, кейин тисралар эди. Ул бераҳмлар эса неча бир хорлик остида судраб-судраб, ичкарига тортқилашарди. Шундан сўнг нима рўй берганини билмайман». Амир Насруллоҳнинг *юзбошисидан* бу сўзларни эшитгач, чуқур ўйга толдим. Чунки, Муҳаммадалихон бошиға бу нарсалар унинг ўз ярамас қилмишидан тушган бўлиб, ёмонлик жазосиз қолмаслигига яна

¹³⁹⁹ Жунайдуллоҳ Ҳозиқнинг байтларидан.

бир карра ишонч ҳосил қилдим. Бу оламда нима қилсанг, фалак ўшанинг ўзини сенга қайтаради, деганлари рост экан.

Алқисса., ўн икки йил давомида онаси ва қариндош-туққанларидан айрилиб, мамлакатдан чиқариб юборилган кўйи дарбадар юрган кўзлар нури Султон Маҳмудхон яна ватанга келиб, тахтга ўтирганча, оламини адолати билан беаган чоғда юриши доимо эгриликдан иборат фалак ул жаҳон кўрмаганинг бир неча кун давлатдан мақсад ҳосил қилишига йўл бермади. У ҳам Муҳаммадалихон ўша Хўқанддан чиқиб қочган пайтда неча бир алам ва ҳасратда подшоҳлик тахтидан ноумид бўлиб, молу-мулкдан дил узиб ва онасини ташлаб, қочишни ихтиёр этди. **Байт:**

Худи ин хама кори ёр гўйи ки набуд,
В-он давлати бешумор гўйи ки набуд.
[Ёрнинг бу барча ишлари гўё бўлмагандек эди,
Ул чексиз давлатнинг ўзи гўё бўлмагандек эди].

Ўзининг бир неча амирлари билан қум йўли орқали тез суръатларда кета бошлади. Улар ўн икки фарсах йўлни олти соатда босиб ўтиб, Шаҳрихон мавзесига етдилар ва вужудида жуда ҳам чарчоқ сезганларидан, кечаси шу ерда тунаб, ўзлари ва енгил йўртлар отларини дам олдирадиган, эрталаб тонгда эса Андижон йўли орқали Ўзганд¹⁴⁰⁰ ва Қуртқа¹⁴⁰¹ га ўтиб кетадиган бўлишди. Ахир умрлари муддати туганиб, қазо ёқаларидан маҳкам ушлаганча, ул салтанат боғи нурининг олдинга бир қадам ҳам ташлашига йўл қўймаётганини қаердан ҳам билишибди. «Умр туганса кўздан нур кочар» ҳадиси мазмунига кўра, шу ерда кўш ташлади. **Қитъа:**

Ду рўз ҳазар кардан аз марг раво нест,
Рўзе ки қазо бошаду рўзе ки қазо нест.
Рўзе қазо бошад кўшиш накунад суд,
Рўзе ки қазо нест дар ў марг раво нест.
[Ўлимдан у ёки бу кун кўрқмоқ раво эмас,
Бир кун қазо бўлса, бошқа бир кун йўқ.
Қазо куни етса ҳаракат фойда бермас,
Қазо йўқ куни унда ўлмоқ раво эрмас].

Қисқаси, ўлим билан баробар саналган уйқу «уйқу ўлимдир» мазмунига биноан уларни ғафлат уйқуси элитди.

Оламини кезувчи офтоб балқиб чиққач ва зулматли тун яширингач, Шаҳрихон халқи ул олий мартабали шоҳзоданинг келганидан хабар топиб, ўзларидан кўрққанидан ўз шоҳзодасини ушлашга қарор қилдилар. Аммо, бу билан тез орада ўзларининг ҳам умр дарахтлари таг-томири билан кўпорилишини билмасдилар. Хуллас, ул ички душманлар ўз соҳибларига куфрони неъматлик қилишга жазм қилиб, бир неча ботини кўр¹⁴⁰² кўрнамак маккорлар билан тил бириктирганча, пасткаш дунё моли учун уятсизлик либосини эгинларига кийдилар ва ул жаҳон кўрмаган шоҳзода устига хужум қилдилар. Ул салтанат гавҳари кўзини ғафлат уйқусидан очиб, ғаддор фалак не ўйинлар кўзғатганини англади. Афсус-надомат кўлини бир-бирига уриб, бу жонни куйдирувчи ҳодиса рўй берганидан дард тўла юраги тўридан чуқур бир оҳ тортди. Қазо ёқаси узра кўл чўзиб турган ҳолда ушбу байтни кўнглидан ўтказди, **байт:**

Норасида ба лабам аз соғаре журъаи айш,
Мезанад дасти қазо жоми муродам бар санг.
[Қадахдан айш қатраси етмай лабимга,
Қазо кўли муродим жомига тош отмоқда].

Надимлар ишни бу ҳолда кўргач, барчаси вафо йўлини йўқотиб, ҳар бириси ҳар томонга қочиб кетишди. **Байт:**

Ёри ман дил зи дўстон бардошт,
Аҳди дерина аз миён бардошт.
[Ёрим дўстлардан кўнгил узди,
Эски аҳдини дарҳол бузди].

Фақатгина етти нафар вафодор маҳрам олам аҳли шоҳзодаси ёнидан ажралмай, Султон Маҳмудхон билан бирга Хўқандга олиб келиндилар ва биргаликда қатл этилдилар. **Қитъа:**

Афсўс ки номаи жавони тай шуд,

¹⁴⁰⁰ Ўзганд – Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги Узген тумани маркази. Қарадарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Муаллиф даврида Қўқон хонлигига тобе эди.

¹⁴⁰¹ Қуртқа/Куртқа – Норинда 1823 йили қурилган Қўқоннинг истехкоми.

¹⁴⁰² Ботини кўр – ичи қора, фирибгар.

В-ин тоза баҳори зиндағони тай шуд.
Он мурғи тараб ки ошёнаш дил буд,
Худ ҳеч надонам ки кай омад, кай шуд.
[Афсус ёшлик номаси тугади,
Ҳаётнинг тоза баҳори ўтди.
Дилдаги қувонч қуши, билмам,
Қачон келди-ю, қачон кетди].

Ул малъунлар қўлларини талон-торожга чўзиб, барчасини қип-яланғоч қилишди ва қўлларини орқаларига боғлаб, занжирга солдилар. Шимр ал-жавшанни эслатувчи ул кофир сифатлардан биттаси подшоҳлик либосини салтанат бўстониинг сарви эгнидан суғуриб олиб, дарвишлар кийимини кийгизди ва оғамнинг этигини ҳам ечиб ола бошлаганда, кўзлар нури кулди ва «Фарғона мамлакатининг ҳукмдорлик тахтига уч кун чиқиб ўтириб, кўрган ва орттирган фойдамиз шу бир этик эди, кел, уни ҳам сенга бахшида қила қолай» деди. Алқисса, ул ёмон ниятли бадкирдорлар ва куфрони неъматлар олийжаноб шаҳзодани неча бир хорлик ва зорлик билан озғинликда жинчиروقқа ўхшаш ва устига арава тортувчи отларнинг эгари қўйилган отга миндириб, неча бир фахру ифтихор билан амир Насруллоҳ олдиға йўл олдилар. Ўша пайтда шоҳзода изидан қувлаб келаётган аскарлар ҳам бу ерларга етишиб, аҳволни бу тарзда кўргач, барчаси хурсанд бўлишиб, шоҳзодани қўлга туширган ул нопоклар билан бирга қайтиб кетдилар. Анча йўл юриб, Хўқанд шаҳрига етдилар ва оғамни шу кўринишда шаҳарга олиб кирдилар. Ому хос назари бу аҳволдаги кўзимнинг нурига тушгач, катта-ю кичик оғзидан оҳу нола товушлари янгради. Гўё Хўқанд шаҳри ичида қиёмат қўпган эди. Кўплар кўркувдан бошини қўйи эгганча пиқ-пиқ йиғлар ва кафтини кафтига уриб, аттанглар эдилар. **Мисраъ:** Коре ки худо кунад фалакро чи илож (Худо қилган ишга фалак не чора топсин); Амир Насруллоҳ ўз давлатининг устунлари билан аср намозини ўқиб ўтирган вақтда шоҳзодани аянчли бир аҳволда олиб келишди – икки девга менгзар киши ул салтанат боғининг сарвини икки қўлтиғидан олган қўйи судраб келишар ва оғамнинг йўл юришга ҳеч бир мажоли йўқ, гулдан ҳам озор чекувчи қўлларини дағал жун арқон билан шу даража қаттиқ боғлашган эдики, арқон теккан жойлардан сизиб қон чиқарди. Гулбарглардан ҳам озор чекувчи оёқлари қонли тупроққа беланган эди. Шоҳлик тожидан ор этувчи боши яланг ҳисоб бўлиб, шу тобда боши устига ташланган бир латта хусравлик кулоҳи ўрнига ўтиб турганди. Жавоҳирли ҳарирлардан истиғно қилувчи бадани гадолик жандасига рози эди. Ана шу аянчли ва ҳолсиз аҳволига боқмай, ул малъунлар шоҳзодани судраб-тортқилаб амир Насруллоҳ олдиға келтирдилар. Амир Насруллоҳнинг кўзи шаҳзодага тушгач, ҳеч нарса демади. Хизматкорларига уни ҳам акаси Муҳаммадалихон ёнига қассобхонага олиб бориб, сақлашни буюрди. Оқшом киргач, Муҳаммадалихоннинг бундан бир ҳафта бурун Лашкар *қўшбеги* билан бирга амир Насруллоҳ истикболига чиқиб, ушлаб турилган ўғли Муҳаммадаминхонни ҳам қамоққа ташлаш ҳақида буйруқ бўлди. Хуллас, учала подшоҳ ва подшоҳзодани бир ерга йиғиб, эртаси тунда шаҳарга яқин пайти мазкур ойнинг шанба оқшоми амир Насруллоҳ тўрт нафар Миррих гавдали қонхўр жаллодга шоҳу шаҳзодаларни ўлдириш ҳақида буйруқ берди. Инсон қонини онасининг сути сингари ичувчи ул дев сийратлар бегуноҳ хусравлар устига бало-қазодек ёпирилиб келдилар. **Байт:**

Баски масти бодаи хирсанд абнои жаҳон,
Табъашон хуни падар чун шири модар хўрдан аст.
[Жаҳон аҳли (фарзандлари) хирсу тамаъ бодасидан чунон мастки,
Отасининг қонини онасининг сути каби ичишади].

Шоҳ ва шоҳзодаларнинг кўзи ул малъунларга тушгач, дардга тўла юраклари тубидан бир совуқ оҳ чекдилар ва ширин жонларидан бутунлай умид уздилар. Кўнгилларини неча бир оҳу ҳасрат билан йўқлик сари қаратдилар. **Байт:**

Чунин аст расми саройи фиреб,
Гаҳе бар фарозу гаҳе бар нишеб.
[Ёлғончи саройининг расми ўзи шундайдир, ҳой:
Гоҳо тепага чиқарар, гоҳ пойгакдан берар жой].

Жаллод дастлаб Рум қайсари¹⁴⁰³ билан тенгликка даъво қилиб юрган ва Чин хоқонига бўй эгмай келаётган, бошқаларни ҳеч ким ўрнида кўрмайдиган Муҳаммадалихонга ташланди ва тубанлик тупроғи узра кулатиб, чаққонлик билан бошини қўй сўйган каби танасидан жудо қилди. Кейин ул бадбахтлар Хўқанд подшоҳзодалари хонадони ичида ўхшаши йўқ дур ва илоҳи иноят насими билан подшоҳлик боғида очилган сарварнинг гул юзини қонга бўйиб, олам аҳли шаҳзодаси Султон

¹⁴⁰³ Рим империяси цезарлари кўзда тутилмоқда.

Маҳмуднинг бошини тупроқ узра думалатдилар. Султонлик осмони юлдузининг комронлик боғида адллик камолига етган ул сарвиқоматнинг япроқларини фано ели кўкка совурди. Ул салтанат гулистони нурининг нозанин томоғига бедодлик ханжари шаҳидлик шарбатини томизди. **Қитъа:**

Дар мотами ту даҳр баче шеван кард,
Лола ҳама хуни дида дар доман кард.
Гул жайби қабойи арғувони бидарид,
Қумри намади сиёҳ дар гардан кард.
[Мотамингда даҳр эзилди, куйди,
Лола кўз қонин этагига қуйди.
Гул қизил кўйлагин ёқасин йиртди,
Қумри бўйнига қора намад ташлади].

Шундан сўнг ул раҳмсизлар жаҳон кўриб улгурмаган ва мўйлови гул юзида сабза урмаган ҳамда ҳали салтанат шарбати ширасидан бир томчи ҳам татиш насб этмаган Муҳаммадаминхоннинг бошини ҳам кесиб, шаҳидлик даражасига етказдилар. **Қитъа:**

Аз қаъри гили сиёҳ то авжи Зухал,
Кардам ҳама мушкилоти гетиро ҳал.
Ҳар макре ки буд аз макри ҳиял,
Ин жумла кушода шуд магар банди ажал.
[Қора тупроқ остидин то авжи Зухал,
Дунёнинг бор мушкилин этдим ҳал.
Не тугун бўлса макрдин ечдим барин,
Аммо, еча олмадим, ахир недур бу ажал].

Учала тож эгасининг боши хона бурчагида қон аралаш тупроқ аро хору-зор бўлиб ётарди. Амир Насруллоҳ амрига кўра ўша заҳотиёқ ғуломлардан бир нечтаси подшоҳ ва подшоҳзодаларнинг кесилган бошу жонсиз жасадларини занбилга солиб, қонларини оқизганча ғариб-беғоналар майитини кўтарган каби иззатсиз бир равишда элтиб, хонларнинг ўз оилавий гўрхонасига олиб бордилар ва учаласини битта гўрга дафн қилдилар. Шарқ подшоси зангори ёқани йиртиб, юлдузлар шодаларини кўзидан ёш ўрнида тўкиб, ер узра думалатган ва ул ходиса маҳобатидан юзи сафро сифатини олганда ва изтироб алами билан Парвин юлдузлари туркуми узилиб кетган тонг чоғи хўқандликлар Султон Маҳмудхон воқеасини эшитиб, фарёд ва фиғон товушларини осмон авжига чиқардилар ва кўзларидан қон фаввораларини селдек оқиздилар ва алам шиддатига дош бера олмай, тупроқ ва қон узра куладилар. Муҳаммадалихон ва мазлум бечора шаҳид Султон Маҳмудхоннинг ғамга ботган волидаси Моҳлор ойим ва ғариб шаҳид Муҳаммадаминхон бечоранинг онаси Бибиш ойим ҳамда ҳарамнинг бошқа ҳижланишин¹⁴⁰⁴ ва ой юзли канизакларининг бариси устларига қора намадлар ташлаб, ёқаси ўрнига жон кийимларини йиртиб, фиғон ва фарёд билан қиёмат кунини барпо қилдилар. **Байт:**

Ин чунин воқеаи ходис ва онгоҳ ҳанўз,
Чархи гардону фалаки равшану хуршиди анвор надид.
[Шу пайтгача бундай ходисани кўрмаган эди,
Айланувчи фалак, нур сочувчи қуёш ҳаргиз].

Мавлоно Ҳозиқ Фарғона мамлакатининг фатҳ этилиши таърихини қуйидагича айтган, **таърихи фатҳи мамолики Фарғона:**

Солҳо ҳокими Фарғона ки аз роҳи хато,
Буд дар бодияи зулм залолат паймо.
Мастии залолат ба хории писараш зад охир,
Кард бо шоҳи Бухоро сари фархош бино.
Қалъае сохта тарҳи хусумат афканд,
Гўйиё фитнаи худ бар сари худ кард бино.
Оқибат зи он ҳаракатҳойи фасод омода,
Мавкаби хусрави воло ҳаракат кард зи жо.
Рў ба ҳар қалъа, шаҳре ки сипоҳаш овард,
Жуз ҳазимат нашуд амре мутасаввир зи адо.
Як давра зарб заду боз раҳи афв гирифт,
Мутанаббеҳ нашуд он ғули биёбони дағо.
Куштаву баставу оташ зада, ғорат карда,

¹⁴⁰⁴ Ҳижланишин – парда ортида ўтирганлар, хотин-халаж.

Рафт то кишвари Хўқанд шаҳи мулк кушо.
 Оташе буд ки гўё ба найистон афтод,
 Худ бувад пешаи туркон чи дигар жуз яғмо.
 Адл бувад ончи зи Ҳаққ дар ҳаққи он қавм расид,
 Гарчи омад ба назар ҳодисаи зулламамо.
 Оқибат кишвари Фарғона ва Дашти қипчоқ,
 Фатҳ гардид ҳама баҳри хидеви воло.
 Ҳокимашро ки сараш буд пур аз нахвати кибр,
 Дод фармони ҳумоюн ба дами теғи жазо.
 Буд порина чу ин фатҳ бигу дар таърих,
 «Боз ин фатҳи дигар боз муборак бодо!»
 Ҳокими хўқандигон дар мавриди Пешоғараш,
 Аз пайи таърих гуфт халқ хони «занғараш».
 Модарашро чунки дар ақду никоҳ кашид,
 Охир омад аз қазойи Ҳаққ балоҳо бар сараш.
 3-ин сабаб имсол дар таърихи фавташ ҳар тараф,
 Бар сари ҳар кўча мегўянд мардум «занғараш».
 [Йиллар давомида Фарғона ҳокими қилиб хато,
 Зулм саҳросида кезди тубанликни кўриб раво.
 Залолат ишининг касофати урди ўғлига охир,
 Бухоро шоҳи билан қилиб уруш тарҳин бино.
 Қалъа қуриб, унда хусумат режасин тузди у,
 Ўз бошига ўзи фитна қўзғатди шу иш ила гўё.
 Оқибат бул фиску фасод ишларидин унинг,
 Қўзғатди Бухородин мавкабин улуғ подшоҳ.
 Сипоҳи юз қўйса қайси шаҳар қалъаси сари,
 Қочишдан бўлак ишни бажармасди ул аъдо.
 Бир давра зарб урди-ю, яна тутди афв йўлин,
 Буни танбеҳ деб билмади ул саҳро деви аммо.
 Ўлдириб, боғлаб, куйдириб ғорат ила юрди,
 То Хўқанд шаҳригача ул юрт олғувчи шоҳ.
 Оташ солдиким гўё ўт олмиш эрди ўрмонни,
 Ахир турк пешаси эмасми фақат ғорат, яғмо?
 Адолатли эди ул қавм ҳаққида не юборса ҳақ,
 Гарчи кўзга кўринган эса бу иш золимамо.
 Оқибат Фарғона юрти-ю Дашти Қипчоқ эли,
 Юксак мартаба шоҳ илгидин фатҳ бўлди яно.
 Кибру ҳаводан осмон бўлган ҳокимнинг боши,
 Ҳумоюн фармон буйруғи ила топди чўнг жазо.
 Илгари бўлган эди бундай фатҳ шу сабаб таърих,
 «Бу янги фатҳ учун «муборак бўлсин фатҳ яно».
 Хўқандликлар ҳокими фатҳ этганда Пешоғарни,
 «Занғар» сўзин таърих топган эди халқ, тасанно.
 Чунки ўгай онасин олган эди ўз никоҳига у,
 Шундан келди бошига охир ҳақдан минг бало.
 Шу сабаб бу йил ўлими таърихин ҳар тарафдан,
 Ҳар кўча бошида халқ дер «занғар у» мубтало¹⁴⁰⁵].

Шундан сўнг фарзандлари фироқида яшашдан кўра ўлимини афзал кўрган ва амир Насруллоҳни энг ёмон сўзлар билан ҳақорат қилган ва «жонидан умидини узган одам дилида борини айтиб қолар» мазмунича ичидаги гапини айта олган ва ушбу мисра маъносига биноан, **Мисраъ:** Бегуноҳон далер мебошанд (Гуноҳсизлар дадил ва кўркмас бўладилар), сўзларига биноан ҳеч нарсадан ҳайикмай турган онасини амир Насруллоҳ илгари пайтда Муҳаммадалихон буйруғига биноан саройга қизларни келтириб юрган икки фоҳиша билан бирга кўшиб ситам қиличи воситасида қатл эттирди. Ул икки фоҳиша ҳақидаги воқеани эса ушбу китобимизнинг Муҳаммадалихоннинг ҳукумати даврига бағишланган бобида батафсил баён қиламиз.

¹⁴⁰⁵ Таърих моддаси 1257/1841-42 йилни беради.

Амир Насруллоҳга Хўқанд мамлакати муяссар бўлгач, ўн икки кун ул шаҳарда истиқомат қилиб, кўнглини шоҳ ва шоҳзодалардан, балки, бутун вилоят ишидан тинчитгач, манқит Иброҳим *додхоҳ* бангининг бошини ул вилоят ҳукуматини бериш билан баланду сарафроз қилди. Тошканд вилояти ҳокимлигини Муҳаммадшариф *оталиққа* берди ва уни *парвоначи* ҳам қилди. Хўжандни Тилов Қобилбийга инъом қилди. Туркистон деб аталувчи Яссини Нурмуҳаммадбийга берди. Марғинони Иброҳим *додхоҳ*нинг укаси Каримкулибекка берди. Намангон ва Тўрақўрғонни Омонуллоҳхўжа *судур*¹⁴⁰⁶ га инъом қилди. Чустни ўзининг *надим*лардан бирининг қўлига топширди ва ҳақозо. Шу бузғунчилик ишлари барисининг сабабчиси сифатида сал илгари Марғинонга сургун қилинган бечора Хонпошшо кетидан амир Насруллоҳ одам юбориб, иккита «мақто» фарзанди билан бирга Бухорога жўнатди. Хўқанднинг бу ярамас воқеаларда иштирок этган саййид, уламо ва амирларини оқ уйлик¹⁴⁰⁷ қилиб, Бухорога кўчиртирди. Хўқандда бирон нарсага яроқли киши қолмади. Амирнинг ўзи ҳам улар кетича Бухорога қайтиб кетди. Анча йўл юргач, Бухорога бориб тушди ва ажали етган Хонпошшони ўз никоҳига киритиб, айшу ишратга машғул бўлди. Ҳа, Хонпошшо бечора бу зангори фалакнинг ҳар кун бу (ранги ўзгариб турадиган) хумхонадан ўзгача ранг олиб туришини қаердан ҳам биларди. **Байт:**

Рангҳо дорад фалак мағруросояш мабош,
Жомаат 3-ин хум намеояд барун ҳар бор сурх.
[Фалакнинг ҳар хил ранглари бор, мағрур бўлма,
Бу хумдан ҳар гал кўйлагинг қизил рангда чиқавермайди].

Гапнинг қисқаси шуки, амир Насруллоҳ Фарғона мамлакатининг барча ерларини Иброҳим *додхоҳ* қўлига топшириб, бу билан ҳали айём тажрибаси шарбатини қониб татимаган ва рўзгор қозонхонасида пишиб етилмаган амир Насруллоҳ филнинг юкини чумоли устига қўйган ва Хумо ишини бойқушга ҳавола этганди. Чунончи демишлар, **назм:**

Зи буми шум таваққуъ мадор йумни Хумой,
Тамаъ мадор ки гунжишк кори боз кунад.
[Шум бойқушдан Хумонинг бахтин кутма,
Чумчук бургутнинг ишини қилади дема].

Унинг бу иши амир Насруллоҳга қут келтирмади ва муборак бўлмади. Фақат исёнлар кўпайиши ва кўзғолон, бузғунчиликнинг ҳаддан ошишига сабаб бўлди, холос. Чунки, Хўқанд халқи янги ҳукуматнинг нотўғри ишларидан қийналиб, ҳаддан ошган зулмларига дош бера олмай, аммо, ул манқит баччанинг эл-юрт бошқаришидан норози бўлса-да, зарурат юзасидан дастлаб бўйин эгиб, ўз ишлари билан бўлиб юрдилар, унинг ярамас қилиқлари ва номуносиб ҳукмронлиги ҳаддан ошавергач эса аҳволи тобора оғирлашиб бораётган халқ бу бангининг дастидан қандай қутулиш чораларини ахтара бошлади. **Байт:**

Дили хаста реш аст, марҳам кужост?
Лаби ташна хушк аст, замзам кужост?
[Эзилган дил хастадир, марҳам қани?
Ташна лаб қуригандир, замзам қани?]

Ақл эгаларига маълумки, бу ғаддор ва кажрафтор фалакнинг одати пасткаш ва бузукчиликдан иборат бу оламда ҳар кун янги бир ўхшаши йўқ ўйинни бошлаш бўлиб, **Мисраъ:** Айб набувад касали кўҳна агар қуъуд кунад (Эски касал яна кўзғаса бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқдир).

Шералихоннинг тахт даъвоси билан чиқиши ва унинг бутун Фарғона мамлакатларини эгаллагани

Воқеанинг баёни шуки, амир Олимхон давридаги алғов-далғовлар чоғи Қирғиз ичида улғайиб ўсган Шерали ибн Ҳожибек гўё оқиллар наздида минг йиллик олис йўл бўлмиш, яъни ақл бовар қилмайдиган ана шу кунни кутиб ўтиргандек, бу можаролар унинг қулоғига ҳам етиб боргач, ўз амирлари билан маслаҳат қурди ва кўнглида асл ватанини қайтариб олиш умиди пайдо бўлди. Эслатиш лозимки, Ҳожибек авлодидан Шералибекнинг тахт даъвоси билан чиққани воқеасини ушбу ўринда айтиб ўтишимизга тўғри келгани учун бу хонадонга доир маълумотлар ва Шералихон воқеаларини баёнини қисқача тилга оляпмиз, аммо минглар тоифасига оид бобда булар ҳақида яна

¹⁴⁰⁶ Судур – аслида садри судур, барча садрларнинг бошлиғи. Садрлар вақф мулкларига мутасадди амалдор. Шулар устидан судур назорат қилган. Саййид ва хўжалардан тайинланар эди.

¹⁴⁰⁷ Оқ уйлик – гаровга олиниб, бошқа жойга олиб кетилгандан сўнг уларга ҳурмат кўрсатиларди. Улар кўпинча оқ ўтовларда яшаганлари боис шундай дейилган. Қора уйликлар эса асирга олинган, ҳақ-хуқуқсиз душман томони.

хам тўлароқ ҳикоя қиламиз. Хуллас, Шералихон Аллоҳга таваккал қилмоқчи бўлди ва **Мисраъ**: Бигузоштем то карами ў чи мекунад (Қани кўрайликчи, Аллоҳ карами биз учун нима қиларкан), деганча қирғиз, қипчоқ ва қазоқлардан иборат катта қўшин билан Талос мавзесидан чиқиб, Фарғона мамлакатлари сари юзланди ва тоғу дара, дашту чўл йўлларини босиб ўтгач, Намангон¹⁴⁰⁸, Тўрақўрғон¹⁴⁰⁹, Чуст¹⁴¹⁰, Ахси¹⁴¹¹ ва Косон¹⁴¹² вилоятларини қўлга киритди. Сўнг ҳеч бир тўхтовсиз Сайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Хўқандга яқинлашди. Иброҳим *додхоҳ* манқит бу воқеаларни эшитиб, бангиликнинг тор ўйлари қаърига чўмди, бироқ ул ботил хаёлларидан ҳеч бир натижа чиқара олмади. Шундай кунни кутиб ўтирган Хўқанд халқи ва омон қолган хўқандлик амирларнинг барчаси кўрққандан зоҳиран ўзларини бу воқеани истамагандек қилиб кўрсатсалар-да, ичдан кўзлаганлари бошқа нарса эди. Бахти қайтган Иброҳим *додхоҳ* буларни сизди ва иш қўлдан кетганини англади. Икки ўртада қолиб, олов билан ўйнашиб бўлмайди. Бекаму кўст олтмиш кун Хўқанд вилоятида хукмронлик қилганди. Хотин ва бола-чақа, хазина ва ганжинасини ташлаб, ўзининг бир нечта яқин маҳрами ва ўша пайтда ёрдамга келган Хўжанд ҳокими Тилов Қобилбекни ёнига солган кўйи қочиш сари юзланди ҳамда неча бир қийинчиликда Хўжанд шаҳрига етиб олди. Ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, афсус ва надомат чекди. Энди булардан ҳеч бир фойда чиқмаслигини ҳам билди.

Байт:

Ки нокардaro метавон кард зуд,
Чу шуд карда онгаҳ надомат чи суд.
[Қилмаслик лозим ишни қилиш ҳеч гапмас,
Аммо уни қилгач надоматдан фойда чиқмас].

Шералибек Иброҳим *додхоҳ*нинг қочганидан хабар топиб, шошилинич равишда Хўқанд шаҳрига етиб келди ва ҳеч бир қаршиликка дуч келмай салтанат тахтига чиқди.

Ўша куниси оғам саййидлик ва аслзодалиқ нишонаси Саъдуллоҳхон ибн жаноб қиблагоҳий эшон Султонхон Иброҳим *додхоҳ* касофатига қолиб, ул ёш саййидзодани ўз хўқандлиги танимасдан, бухоролик дея гумон қилиб, халқ бекорга шаҳид қилиб юборди. Ёши ўттиз бирга тўлган эди.

Фарғона мулкининг қайси шаҳрида манқит томонидан қўйилган ҳоким бўлса, уларни ўша шаҳарлар халқи ушлаб олишди ҳамда хотин ва бола-чақаларини ҳам асир олиб, молу-мулкни талашди. Хўқанд халқи эса улардан ҳам беш баттар йўл тутиб, манғит гумашталарини шу даража азоб-уқубатларга солишдики, ҳар қалай уларнинг қилган уятли ва ҳақоратли ишларини бу китобда ёзиш эп кўрилмай, икки тилли қаламни воқеа баёнидан қантариб қўйилди. Айтишларича, Шералибек хон эълон қилингач, салтанат тахтига ўтириб, мамлакат ишларига киришди ва амирлар ҳамда фуқарога Фарғона мамлакатларининг барча халқи йиғилиб, Хўқанд шаҳрини қалъа деворлари билан ўраб олиш ишида қатнашишлари лозимлиги борасида фармон берди. Унинг буйруғига кўра барча хосу ом тўпланишиб, белини юз жойидан боғлаб, қалъа қуришга киришдилар. Шералихон амирлар ва қўшин аҳли билан бирга ҳарбий ишлар назму тартиби бўйича шуғулланди. Бу даҳшатли ва юракни қайғуга солувчи хабар амир Насруллоҳ қулоғига етишгач, нима қилишини билмай эзилиб-сиқилди ва қандай чора топиш пайидан бўлди. Давлати қамишзорига бир дунё ўт кетганидан, уни ўчириш тадбирини ўйлаб боши қотди. **Байт:**

Аз душмани дўстру бипарҳез,
Чун ҳезуми хушк зоташ тез.
[Дўст бўлиб кўринган душмандан сақлан,
Қуруқ ўтин зотида олов олиш хислати бор].

Амир Насруллоҳ Хўқандни фатҳ этган вақтда Шаҳрисабз халқи бундан қаттиқ ваҳимага тушиб қолиб, бизнинг ҳам устимизга босиб келиб, бошимизга шу кунларни солади, деган ўйда бор-будидан минг бор умидини узган эдилар. Амир Насруллоҳ Хўқанддан қайтиб, Бухорога келгач, ҳақиқатдан ҳам бир ой ўтмай, Шаҳрисабз томон бостириб боражагини билдирган бўлиб, Хўжақули *парвоначи* олдига «Яккабоғ ҳокими Ёдгор *девоубеги* янги қалъа қурдирибди, уни буздириб ташланг» деган буйруқ билан элчи юборди. Кенагас халқи амир Насруллоҳ юборган одамдан бу хабарни эшитиб, каттадан-кичигигача амир Насруллоҳнинг бостириб келишига ишонч ҳосил қилиб, элчи кўзича кўрғондан оз ерини бузиб, шу билан уни бир амаллаб ишонтиришга эришиб қайтардилар. Аммо,

¹⁴⁰⁸ Наманган/Намангон – Фарғона водийсида жойлашган шаҳар. Наманган вилояти маркази.

¹⁴⁰⁹ Тўрақўрғон – ҳозир Наманган вилоятидаги шаҳар. Хонлик даврида Наманган ҳокимининг ўрдаси Тўрақўрғонда бўлган

¹⁴¹⁰ Чуст – қадимий шаҳар. Ҳозир Наманган вилояти таркибидаги Чуст тумани маркази.

¹⁴¹¹ Ахси – Наманган вилояти, Наманган туманида жойлашган Шаҳанд қишлоғидаги харобалар шу Ахсига тегишли. Фарғона водийсининг қадимги пойтахти.

¹⁴¹² Косон – ҳозирги Косонсой шаҳри. Наманган вилояти таркибида, туман маркази.

барибир кўнгиллари тинчимаё, ўй гирдобига чўмдилар ва бу балодан қандай йўл билан қутулса бўлар экан, дея безовталандилар.

Ўша айёмда биз билан бирга Шахрисабзда турган акамиз Оталиқхон ибн амир Олимхонга амир Насруллоҳдан иноятнома¹⁴¹³ хати келди ва унда Оталиқхоннинг амир олдиға бориши айтилган бўлиб, иноятнома экани учун асл мақсад нимадан иборатлиги тоғаваччамга аён эди. Бинобарин, ғам ва ташвишда қолдилар, бир неча кундан сўнг эса шаҳид кетганлар (азиз ва авлиёлар) номини ўртаға солиб, кўп ваъдалар билан менға (амир) хат юборди. Мен ҳам унинг кўзлаган асл мақсади бошқалигини англаб, саёҳат сафари баҳонасида узоқларға кетмоқчи бўлдим. Аммо, қани энди юртдан чиқиб кетиш учун амир Насруллоҳға қарашли худдуддан ташқари бирон жой бўлса-ю, ўша орқали чет элга ўтиб кетиб қутулсанг. Кеча-ю, кундуз шу ҳақда ўйлаб бошим қотганча, бу асосиз ваҳималардан халос бўлиш йўллариини излардим. Шу тахлит еганимиз ичимизға тушмай, неча бир ҳадик ва қўрқув ичида кун кечиға бошладик. Аммо, бу қўрқув ичра Аллоҳнинг сабр қилиш ҳақидаги буйруқларини унутган эдик ва ушбу байт мазмуни ҳеч эсимизға келмасди. **Байт:**

Сабр кун шиша бар санги жафои мўхтасиб,
Гардани ин душмани золим Худо хоҳад шикаст.
[Шиша сабр қил мухтасибнинг тоши жафосига,

Бу золим душманнинг бўйнини Худо хоҳласа синади].

Ўша вақтда Аллоҳ лутфидан Шахрисабзға ҳам Хўқанд воқеалари ҳақидаги хушхабар етиб келди, балки бу гап бутун оламға ёйилди. Барча аҳоли қувониб, хурсандчиликлар қилишди, айниқса, кенағас қавми ва бизнинг юрагимиз севинчларға лим тўлди ва шодликдан теримизға сиғмасдик. Ўйнаб-кулиб ва қарсақ чалишиб, кўчаларға чиқиб кетдик ва манави мисраъ дил ва тилимиздан тинимсиз кечарди, **Мисраъ:** Шоми ғам ахир шуду субҳи тараб хоҳад дамид (Ахийри ғам туни кетиб, қувонч тонги отиб бормоқда)].

Амир Насруллоҳнинг учинчи бор Хўқанд тарафға қўшин тортгани ва у ердан мақсадға етмасдан қайтгани зикри

Амир Насруллоҳ ноилож катта лашкар билан Хўқанд сари юзланди, аммо, ўзидан илгари Иброҳим *додхоҳ*нинг укаси Самарқанд ҳокими Исобий, Жиззах ҳокими оғам Одил *додхоҳ*, Ургут ҳокими Абдурахман митан, Ўратепа ҳокими Бердиёр ва бошқаларни Хўжандға юборди. Амир Насруллоҳ буйруғи бўйича ана шуларнинг ҳар бири ўз қўшини билан Хўжанд шаҳриға бориб тўпландилар ва у ердан биргалашиб, қасос талаб қўшин билан юқори томонға юриб, Қаракчиқум мавзесига кириб бордилар. Хўқанддан ҳам Шералихоннинг ўғли Абурахмонбек Миррих хайбатли қўшин билан уларға қарши юриб, Конибодом¹⁴¹⁴ мавзесига келиб тушди. Ўша қоронғу кечада то тонгға қадар ҳар иккала лашкар денгизи ўз сипоҳиларини жангға тайёрлаш иши билан машғул бўлди. Эртаси куни заррин қанотли товус зангори чарх узра қанотини ёйғач ва зулмат оламини ўз нурлари билан ёритғач, ҳар икки қўшин тўқнаш келиб, бир-бири устиға ташланди. Уруш шиддатли бўлиб, қалашиб ётган ўликлардан тепаликлар ҳосил бўлди, баҳодир жангчилар қонидан жанг майдони қизил арғувоний рангға кирди. **Байт:**

Ту гўйи ахтарон саф баркашиданд,
Зи моҳи то ба маҳ сар баркашиданд.
[Кўрсанг гўё юлдузлар саф тортмиш,
Балиқдан то ой қадар бош тортмиш].

Анча уруш ва жангдан кейин ғалаба насими Фарғона лашкари томонидан эса киришди ва манқит сипоҳи қочиш водийси сари юз тутди. Хўқанд аскарлари уларнинг кетидан қувлаб, анчасини ўлдириб, бир нечасини асир олишди. Ўша аснода Ургут ва Моғиён ҳокими Одил *додхоҳ* минг етиб келиб, Хўқанд сипоҳининг дамани қайтарди. **Байт:**

Чун нек назар кард пари хеш дар ў дид,
Гуфто: зи ки нодем ҳам аз мост ки бармост.
[Яхшилаб қараб, ўз ютуғининг унда эканин кўрди,
Деди: кимдан арз этай, қўйнидан тўкилса кўнжига].

Манқит лашкари ишни бу тахлит кўрғач, жиловларини қайтадан жанг майдони сари буриб, яна душман томон устиға ташланди ва ўз асирларини қутқариб олишди. Анча муҳорибадан сўнг икки

¹⁴¹³ Иноятнома – хон (амир)нинг фаромни, буйруғи.

¹⁴¹⁴ Конибодом – Хўжанд-Кўқон йўлида жойлашган шаҳар. Ҳозир Суғд вилояти (Тожикистон)даги туман маркази.

лашкар денгизи бир-биридан айрилиб, Шералихоннинг ўғли Абдурахмонбек Фарғона лашкари билан Хўқанд томонга қайтиб кетди. Иброҳим *dodxo* манқит ва амир Насруллоҳнинг бу ерга келган бошқа барча саркардалари эса Хўжанд шахрига қайтиб келдилар. Ўша жангда ўлганлардан ташқари Хўқанд кўшини қўлига уч юз киши асир тушганди. Манқит лашкари эса икки юз хўқандликни асир олган эди. Бир ҳафтадан сўнг амир Насруллоҳ Хўжанд шахрига етиб келиб кирди. Эртаси куни эса у ердан кўчиб, Қарақчиқумга ва у ердан ўтиб, Конибодамга бориб тушди. Унинг эртасига амир Насруллоҳ амрига биноан қон сипқорувчи жаллодлар хўқандликлардан асир тушган мазкур икки юз нафар жангчидан биттасини тирик қўймай, аёвсизлик ханжари билан барчасининг бошларини худди қўйни бўғизлаб сўйиб, калласини кесган сингари ул бегуноҳларнинг таналаридан жудо қилишди. **Байт:**

Метавон кушт зиндаро, лекин,
Куштаро боз зинда натавон кард.
[Тирикни ўлдирса бўлади, лекин,
Ўликни қайта тирилтириб бўлмас].

Амир Насруллоҳ жар солдириб «хўқандликларнинг моли ҳалол, ўзлари ғулом ва хотинлари чўри, ким уларни ўзиники қилиб олса, ҳаққи бор» дея фармон берди. Бу тавсияни эшитган сарбозлар жамоаси ва бебок ўзбеклар яъжуж-маъжуж лашкари мисоли ўзларини Хўқанднинг энг яхши ва энг обод кишлоқларидан саналган Конибодом кишлоқларига уриб, кишлоқ аҳолисидан тахминан беш минг хонадонни қийратиб таладилар, жумладан, ул бераҳмлар оху кўз ва хурвашлар устига ёпирилиб, эгинларидан ҳарир кийим ва либосларини суғуриб олдилар. Уйлардаги гилам, палос ва кигизу кўрпатўшаклар ва қимматли буюмларни орқалаб, бурун ва қулоқларидаги ҳалқа, аварак ва зирақларини тортиб олдилар. Оёқларидан этикларини ечиб, рўмолларини бошидан юлиб кетдилар. Пир кўрмаган ғулом, яъни шиа мазҳабли ажнабий сарбозлар ҳам худодан кўрқмайдиган ўзбекларга қўшилиб «Мен нафсимни оқламайман. Чунки нафс агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса – албатта барча ёмонликларга буюргувчидир»¹⁴¹⁵ ояти каримасидаги каби мурувватсизлик тупроғини инсонгарчилик кўзи сари сочиб, инсонга хос бўлмаган энг ёмон хислатларини намойиш этган қўйи замирида яширинган аммора нафс ва нопок ботинларини бебоклик орқасида ул гуноҳсиз мазлумлар борасида юзага чиқардилар. Пари чехраларни ўлжа олиб, отлар сағрисида боши очик, оёқ яланг ўтқазган қўйи олиб кетдилар. Эркаку хотинлар кўчаларда ўзбеклар ва сарбозлар отлари туёғи остида қолиб эзилиб, кўкраклари иккига ёрилган ва гавдалари қонли тупроққа қорилган ҳолатда ётардилар. Бу даҳшатли воқеа гувоҳи бўлган бир неча киши оғзидан қуйидагиларни эшитган эдим: «Бир нечта аёлнинг кўкси ёрилган ва қонга беланганча ўлиб ётганини ўз кўзларим билан кўрдим. Эмизикли болалари эса онаси кўкрагидан сут эммоқчи бўлишар, аммо бир томчи сут сизиб чиқмагач, қайтиб йўлдан четга эмаклаб чиқишар, бироқ, яна очлик зўр келиб, қайтадан бориб, оналари кўксига ёпишиб олишарди. Бу ҳол бир неча марта такрорланар эди. **Мисраъ:** Руйи ниёз бар замин, дасти дуо бар само (Эҳтиёж юзи ерга сурилган, дуо қўли самога кўтарилган); Бу сарбоз ва ўзбеклар зулми дастидан заминуну замон ларзага келиб, дарёлар кўпириб ва балиқлар ҳайқириб, тоғлардан садо чиқиб, қушлар ҳавода нола чекар, қиёмат кўпди. Хўқанддаги Шералихон бу хабарни эшитиб, асир тушган уч юздан кўп¹⁴¹⁶ манқит аскарларининг барчасини ушбу **Мисраъ:** Ҳар чи мекуни он мекунад жаҳон бо ту (Нима иш қилсанг, жаҳон шу ишни ўзингга қайтаради), сўзларига кўра бир-бир қиличдан ўтказди. Бу ҳам камлик қилиб, улар ёнида ўзлари билан ҳамроҳ қилиб олиб келган ва шу жангда асир тушган уғруқ¹⁴¹⁷, яъни оила аъзолари – хотин ва бола-чақаларининг анчасини ҳам айтиб бўлмас даражадаги қийноқ ва ҳақоратлар остида ўлдирдилар. Шералихон амир Насруллоҳнинг келганидан хабардор бўлгач ва Хўқанд устига юришини билгач, ўз амирлари ва шаҳар фуқароси билан бирга ул амирни тор-мор келтириш ва умрига яқун ясашни ният қилганча, ҳиммат камарини минг еридан белига боғлаб ва кафанини бўйнидан осилтириб, ўлимини бўйнига олган ва ғазаб оташини алангалатиб, жанг тайёргарлигини пухта кўрган қўйи урушни кутиб ўтирди.

Эртаси куни амир Насруллоҳ у ердан кўчиб, икки кўч масофадан сўнг Қўшқўпрук мавзесига кириб борди. Индинига, яъни 1258 йил ражаб ул-муражаб ойининг охирида/1842 йил сентябр ойининг бошларида у ердан кўчиб, ҳамма билган йўлни қўйиб, чап томондан одамлар одатланмаган йўл орқали ҳозир Мўйи муборак деб аталувчи Қоратепа¹⁴¹⁸ томондан юриб, Абдусамад *ноиб*ни сарбоз ва тўпу тўпхонаси билан бирга олдинга солиб, орқасидан эса ўзининг бошқа саркардаларини Хўқанд қалъаси сари ҳамла қилишларига буйруқ берди. У томондан эса Шералихоннинг мазкур воқеалардан

¹⁴¹⁵ Қуръони карим, 12:53.

¹⁴¹⁶ Матнда “уч мингдан кўп”.

¹⁴¹⁷ Уғруқ – ҳукмдор ёки қўшин аҳлининг аҳли аёллари, ҳарами.

¹⁴¹⁸ Қоратепа – Қоратепа (Мўйи муборак) – Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги кишлок. Қўқоннинг жанубида 1 км. масофада жойлашган. Мўйи муборак мазори шу кишлокқа яқин жойда.

дарғазаб одамлари ҳам ширин жонларидан умид узганча жанг сари юзландилар. Ҳар иккала қасоскор лашкар бир-бири устига ташланди. Анча уруш ва муҳорибадан сўнг Хўқанд лашкарининг қўли баланд келиб, манқит сарбозлари енгилиб, орқага чекинишди. Хўқанд қўшини босқинчи сарбозлардан эллик нафарини асир олиб ва душманнинг икки туғини қўлга тушириб, бир нечтасини ҳалок қилди. Сўнг катта обрў ва тантана билан ўз қароргоҳига қайтди. Амир Насруллоҳнинг амирлари қарашса, иш осонликча битадиган эмас. Улар ҳам орқага чекиниб, амир Насруллоҳ у ердан каминанинг чорбоғи бўлмиш Қатағон боғи юқори томонига бориб тушди. Бир ҳафта ўша ердан кетмай, ҳар кун ҳар икки тарафдан мардонавор жанглар амалга ошиб турди. Шералихон душман устига дўлдек қилиб кечаси-ю кундузи тўпу тўфанг ўқларини ёғдириб турди. Амир Насруллоҳ учун эгаллаб турган еридан мурод гули очилавермагач, ноилож кўчиб, Марғинон йўли орқали фақирга қарашли маврусий¹⁴¹⁹ мулк саналмиш ва шаҳардан бир фарсахлик ерда жойлашган Тўқайтепа қишлоғи мавзесига бориб қўш ташлади. Сўнг шаҳарни камал қилишга киришиб, аскарларига Хўқанднинг ён-атроф қишлоқларини талон-торож қилишни буюрди. Бу хабар бутун Бухоро қўшини бўйлаб тарқалгач, бераҳм ўзбеклар отларининг туёғи қаерга етса, ўша ер аҳолисининг молу ҳолини яғмо ва талонга дучор қилиб, хотин ва бола-чақасини асирликка олдилар. Хуллас, ўрмонга ўт кетиб, хўлу курукни баробар ёндирди. **Мисраъ:** Оташ чу бар афрўхт сўзад тару хушк (Бир ерни ўт олса, хўлу курук баробар ёнади); Бегуноҳ ва мазлум халқнинг нолаву фиғони қўшин аҳлининг қулоқларини қар қилди, улар ичида ақалли биронта шафқатлиси бўлса, буларни кўриб, ҳайрону лол бўлиши аниқ ва ачиниш билдириши турган гап эди. Ўша орада амир Насруллоҳ билан илиқ муносабатдаги оғам мавлоно Ҳозик ибн Ислом шайх мусулмончилик юзасидан ва давлатхоҳлик нисбати бўйича ушбу бир неча сўзларни назм ипига териб, амир Насруллоҳга арз қилди ва шеър будир, **Ҳозик шеъри:**

Маслаҳат ба ҳаким бояд гуфт,
 Назди ҳар беҳабар нашояд гуфт
 То бувад сулҳ жанг натавон қард,
 Жанг бошад даранг натавон қард.
 Чун ба нохун гиреҳ кушод осон,
 Пас чи ҳожат фушурдан дандон.
 Фатҳу нусрат зи адлу эҳсон аст,
 Ба фусун сайди мор осон аст.
 Баҳри он подшоҳ қард Худо,
 Ки низоми жаҳон бувад барпо.
 Яъни кас моли дигаре нахўрад,
 Саре мазлуме золим набурад.
 Шоҳ бояд хўрад ғами олам,
 На ки з-он оламе фитад дар ғам.
 Халқро молу жон зи султон аст,
 Чун талаф гашт бо ки нуқсон аст?
 Шоҳ бояд ки чун падар бошад,
 Аз падар ҳам шафиқтар бошад.
 Сухани банда жожхойи нест,
 Осмонист ин, ҳавойи нест.
 Суханам зеби гуши шоҳон аст,
 Гавҳари тожи каж қулоҳон аст.
 Сухани ман зи олами ғайб аст,
 Зари ноб аст беғаши айб аст.
 Ҳаст чун ақли шоҳ шоҳи укул,
 Бас кунам, чун ки нест жойи фузул.
 Ку чу Ҳозик дар ин даргоҳ,
 Бандаи жон фишон, давлатхоҳ.

[Маслаҳатни донога айтмоқ яхши,
 Гап укмагандан йироқ тутмоқ яхши.
 Сулҳ сўзи бор экан уруш лозим эрмас,

¹⁴¹⁹ Маврусий – мерос қолган.

Уруш эса ҳаялламоқни ҳеч ким демас.
 Тирноқ билан очилса тугунлар осон,
 Не лозимдир унга урмоқ ахир дандон.
 Фатҳу нусрат манбаси адлу эҳсондур,
 Илон овламоқ афсун билан осондур.
 Худо ҳар кимни айламиш подшоҳ,
 Жаҳон тартибидин бўлсин деб огоҳ.
 Яъни емасин деб биров-бирова молин,
 Мазлум бошин кесмасин деб золим.
 Шоҳ емоғи даркор олам аҳли ғамин,
 Шоҳдан элу юртга зулм ҳеч етмасин.
 Султон туфайли халқдаги молу-жон,
 Етса уларга зарар, кимгадир нуқсон?
 Шоҳ ота каби бўлмоғи даркор ҳар он,
 Балки отадин ҳам шафиқу меҳрибон.
 Сўзларим хамиртуруши ердан эмас,
 Улар осмондан энмиш дилимга, бас.
 Сўзим шоҳлар қулоғига бир гўзал зирак,
 Қулоҳин эгри қўндирганлар тожиги безак.
 Сўзим чун эрур ғайб олаמידан нишон,
 Соф тиллодир, йўқ унда айбу нуқсон.
 Шоҳ ақли ақллар шоҳидур, шу сабаб,
 Тўхтатай сўзим, ортиқчаси бекор гап.
 Ҳозиққа ўхшашин кўрганми бу даргоҳ,
 Шоҳ йўлида жонин тиккан, давлатхоҳ.)

Шундан сўнг амир Насруллоҳ ҳеч ким фуқарога тегмасин деган буйруқ берди. Аммо, бўлар иш бўлган, бўёқчининг кўзаси синган эди. Бу таъқиқлашдан кўпам фойда чиқмади. Амир Насруллоҳ қараса, бу каби душманга тиш қайрашдан фойда йўқ ва аҳолига зуғум ўтказиш йўли билан бир натижага эришиш ҳам қийин иш. Шу сабабли ўз лашкарига «катта жангга тайёрланинг, эртага куёш чиқиши билан султонлик урушини соламиз» дея фармон берди. Бу хабар қўшиннинг барча қисмларига етиб боргач, ҳаммаси ўша тунда кафанларини тайёрлаб, гўр қазиш ишларига машғул бўлдилар. Тонг ота бошлагач ва тун ниҳоясига етгач, амир Насруллоҳ лашкарини олдингига ўхшатиб, тартиб ва низомга келтирган кўйи Хўқанд сари юзланди. Хўқандликлар манқит лашкари келаётганидан хабар топиб, улар ҳам қасос камарини белига маҳкам боғлаб, дарвозадан ташқарига югуриб чиқдилар ва ўша катта кўчабоғда ҳар икки қон ичувчи лашкар денгизи бир-бири устига ташланди. Шундай бир уруш ясадиларки, қазову-қадар ёшу-қари жонини бир хил баҳога пуллади. Ариқлар қасоскор баҳодирлар қонига тўлиб окди, Рустам ва Асфандиёр тўқнашувлари тарих варақлари юзидан ўчирилди. Довюрак ботирларнинг виқор билан юрувчи жанговар отлари ўликлар устидан ўтиб, жанггоҳ саҳни узра жавлон урарди. Анча уруш ва жангдан сўнг зафар насими Хўқанд қўшини томонидан эса бошлади ва Бухоро лашкари чекинди. Хўқанд аскарлари душманнинг айримларини ўлдириб ва кўпларини асир олиб, фатҳу ғалаба билан шаҳарга қайтдилар. Манқит лашкари, тўрвасини кўтариб қочувчи лўлиларга ўхшаб, шоша-пиша ва дардли дил билан ўз қароргоҳи сари чопқилаб қочди. Амир Насруллоҳ бу ходисани кўриб, бу тугуннинг ҳеч бир тадбир тирноғи билан ечилмаслигини англаб, Фарғона мамлақати келинчаги бўлмиш Хўқанд шаҳридан кўнгил узди ва «ҳар кун ҳам ҳайит эмаски, ҳолва есак» деган мақолни тилига олди. **Байт:**

Анқо шикори кас намешавад, дом боз чин,
 К-онжо ҳамеша кор бадаст аст домро.
 [Анқони ушлаб бўлмас, тўрингни йиғиштир,
 Тузоқнинг ҳамеша ўз ишлари бор қўлида].

Шунга қарамай, яна бир неча кун ўша ерда қандайдир умид билан тўхтаб турди. Айни вақтда Ўрда бозор йўли бекилиб, қўшин ичида зарур озиқ ва ашёлар нархи борган сайин кўтарилиб кетаверди. Амир Насруллоҳ қараса, «зўри беҳуда миён мешиканад»¹⁴²⁰ деганларидек, зўрма-зўраки кучанишдан фойда йўқ. Шунингдек, ўша вақтда камал муддати ҳам роппа-роса ўттиз кунга чўзилган эди. Қолверса, илгари хизматида юрган хўқандлик амирлар ҳам хузуридан шаҳарга қочиб кета бошлашди. Ниҳоят, Марғинон тарафга бориб, ул вилоятни босиб оламиз, дея овоза тарқатди. Шу

¹⁴²⁰ Тожик халқ мақоли – тўғридан-тўғри таржимаси “Беҳуда кучаниш белни синдиради.”

найранг билан бу бало гирдобидан қутулиб, Марғинон томонни кўзлаб, ўрнидан кўзгалди ва икки фарсах йўлни Марғиноннинг умумий йўли орқали юриб, йўналиш жиловини ўнгга бурди ва қишлоқ жойлардан чиқиб олиб, бир дашт ерда қўш ташлади. Ўша кечаси ғайб оламидан зилзилага ўхшаш бир ходиса рўй берди – отлар ўз арқонини узишди ва ким ухлаб ётган бўлса, беихтиёр ўрнидан сапчиб турди. Бироздан сўнг бу ходиса тинчиди. **Байт:**

Хилофи қоидаи асл офатангез аст,
 Ҳазар кунед зи онеки сар кашад зи танўр.
 [Асл қоидага хилоф равишда офатга ёрдир анга,
 Тандирдан бош чиқарган кишидан сақланинг].

Тонг отгач, амир Насруллоҳ у ердан кўчиб, Хўқанддан уч фарсах узоқлашиб, Сирқўрғон дашти йўли билан шошилган кўйи Конибодом мавзесига бориб қўш ташлади. Хўқанд амирлари аҳволни бу тарзда кўриб, улардан Хўқанд фатҳида оқ уйлик қилиб Бухорога кўчириб келинганларидан анчаси амир Насруллоҳ кўшинидан ажралиб, ўз ватани сари кетдилар. **Мисраъ:** Шоми ғам охир шуд, субҳи тараб хоҳад расид (Ғам оқшоми охирлаб, шодлик тонги отажак); Амир Насруллоҳ иккинчи марта Конибодом деҳқонларини талашга буйруқ берди. Аммо, амир аскарлари илгари ўзлари шип-шийдон қилиб талаган уйлардан бирон нарса топа олмадилар ва ҳеч вақосиз қолган аҳолидан пичоққа илингудек матоҳ ундира олмадилар. Аламидан уйларга ўт беришга тушдилар. Мана энди бирон нарса омон қолган эса, улар ҳам бутунлай куйиб кул бўлди. Мазкур йилнинг ўша куниси шариф рамазон ойи кириб келди. Амир Насруллоҳ у ердан кўзғалиб, Хўжандга бир манзил жойга тушди. Энди манқитнинг Хўжандни ушлаб туришга юраги дов бермасди. Шунинг учун бу шаҳарни Худоёрбий валинаъмининг ўғли Абдурахмонбекка берадиган бўлди. Ул амирлик паноҳи эса «Хўжанд Ўратепасиз ҳеч нарсага ярамайди» деди. Унинг бу сўзидан амир Насруллоҳнинг кўнгли оғринди ва Хўжандни бериш фикридан қайтди. Ул довюрак ўша кечаси Хўқандга Шералихоннинг олдида қочиб кетди. Унинг кетганидан амир Насруллоҳ воқиф бўлиб, анча маслаҳат ва машваратдан сўнг Хўжанд мамлакатини амир Олимхоннинг ўғли Муродхонга беришга қарор қилишди ва бу ҳақдаги ёрликни ёзиб, саруполари билан бирга кўшиб берадиган бўлдилар. Бироқ ўша вақтда амирнинг бу ҳақдаги фикри ўзгариб ва амирларнинг ҳам маслаҳатлари қовушмай, ниҳоят, Хўжанд мулки ҳукуматини Бекмуродбийнинг катта ўғли Худоёрбийга беришди. Амир шу билан у ердан кўзғалиб, бир манзил юргач, Сабот (Савот)¹⁴²¹ манзилига кириб борди. У ерда Хўқанд амирларининг кўпчилиги амир Насруллоҳни ташлаб кетиб қолгани ҳақидаги гапни эшитди. Қараса, хўқандликлар ҳойнаҳой кетадиган, ноилож уларнинг хоҳлаганига кетиш учун рухсат берди ва ҳақиқатдан ҳам анчагинаси ватанига кетишди. Ўша пайтда ўйинчи фалак имкон оламида яна бир қизик ходисани кўзғашни хоҳлаб қолди. Яъни гапнинг лўндаси шуки, амир Насруллоҳ Хўқанд юртини ўша фатҳ этганида замонанинг бошқа ўлкалардаги хон ва султонлари ҳам ваҳимага тушиб, ўзларининг Муҳаммадалихон билан иттифоқчи бўлганларидан кўп пушаймонлик қилиб, сўнг ҳар ким ва ҳар қайсиниси ўз йўлига кетганди. Ана ўшалардан биттаси [Муҳаммадалихонга ёрдам кучларини юбориб, аммо, ул кучлар бухорликлар кўлига тушиб ўлдирилгач, яхши саркарда ва жангчиларидан айрилган] Урганж ҳокими Оллоҳқулихон бўлиб, қасос ўтида ёнган кўйи айнан мана шу фурсатларни кутиб ўтирганди. Амир Насруллоҳнинг бу галги Хўқандга сафари анча чўзилгач, фурсатни ғанимат билиб, катта лашкар билан Омуя дарёсидан кечиб ўтди ва Бухоро сари юзланди. Анча масофани ортда қолдиргач, Бухорога яқинлашиб келди ва шундай бир босқин-чопқин уюштирдик, олам бино бўлгандан ҳозиргача довур ҳеч бир подшоҳ замонасида бу сингари талон-торож ва яғмо рўй берган эмасди. Айтишларича, Бухорога қарашли қирқ минг хонадонни кўчириб кетган ва беш лак¹⁴²² кўйни ўлжа олган. Шу олиб кетаётган чоғи йўл юра олмай қолган кекса ва болаларни эса дарёга улоқтирган экан. Ишқилиб кўп кишиларнинг ёстиғини қуритган. Қайтиб яна дарёдан ўтиб, Бухорога тобе Чаҳоржўй¹⁴²³ қальасини паргорнинг айлана чизифидек қилиб ўраб олган ва қамал, уруш ишини қизитган.

Ўшанда Оллоҳқулихоннинг Бухоро томон келаётганидан қаттиқ ваҳимага тушган Бухоронинг шаҳар ва қишлоқлари халқидан дала ва даштда бирон киши қолмай, ҳаммаси Бухоро қальасига қочиб

¹⁴²¹ Сабот/Савот/Шовот/Шобот – Самарқанд -Ўратепа ва Хўжанд йўлидаги бешинчи (Зоминдан кейин 2 фарсах масофада) манзил.

¹⁴²² Бир лак юз мингга тенг.

¹⁴²³ Чаҳоржўй – қадимги Омул, Амударёнинг чап соҳилидаги Бухоро амирлиги истехкоми бўлган. ҳозир Туркменистон республикасида вилоят маркази.

келиб, яширинишган ва шаҳар халқ мудофаа ишларига киришганлар. Бир манн¹⁴²⁴ ғалланинг нархи ўша куниси уч ашрафий тиллогача кўтарилган экан. **Байт:**

Ҳар кас ба дасти суфла диҳад ихтиёри хеш,
Бошад чунон ки мор диҳад жо дар остин.
[Ким ўзини пасткаш қўлига топшириб қўйса,
Енги ичидан илонга жой бергандек бўлади].

Бунинг яна бир сабаби шунда бўлганки, амир Насруллоҳ марҳум Ҳаким қўшбегидан кейинги вазир ўрнига Абдулҳолик исмли бир даллол болани вазирлик мансабига ўтқазган эди. Унинг ноқобил зотига тарбия берган билан ҳеч бир фойдаси бўлмади ва минг Афлотун йўл кўрсатса ҳам у ўзининг ўрганган одату расмини тарк эта олмас, қанчалар нур сочган билан тарбият шўъласидан бирон ёруғлик унинг сифат чироғига тушмас эди. **Байт:**

То набошад зот қобил тарбият даргир нест,
Кай кунад хосияти иксир бар хоро асар.
[Зоти қобилиятли бўлмаса тарбияни ола олмас,
Иксир суви ахир мрамар тошга жон киритарму?]

Бундай зотида қобилият йўқларни тарбиялаб, самара натижасини қўлга киритишни тасаввур этиш маҳол иш ва берилган тарбия, илмлар беҳуда кетиши аниқ гап эди. Аммо шунга қарамай, амир Насруллоҳ Бухоро мамлакати ишларини ўша даллол баччанинг ихтиёрига топшириб қўйганди. У бечора эса ҳеч умрида бунақа катта ишлар кўчасидан ўтмаган эди. Шу сабабли боши қотиб, ҳар томон чопар ва ишларни уддалай олмай, борган сари энсаси қотарди. Бозорга чиқса, ўзининг даллоллик одатига кўра, фақат Арк эҳтиёжларини ўйлаб, кўзига нима кўринса, ўшани сотиб олаверар ва буни қарангки, бўш турмасин, дея ҳатто Аркдаги барча идишларни сув билан тўлдириб чиққанди. Хуллас, мамлакат ишлари буёқда қолиб кетиб, Арк юмушлари билан овора эди. Халқ бу даллол баччанинг бу каби аҳволини кўргач, ваҳима ва кўрқинчлари олдингидан юз чандон ортди, хосу ом бундай вазиятда фақат ўз молу-жонлари учун қайғура бошладилар. Ахир душман эшик таққилатиб турса-ю, мамлакат тизгини ана шундай бир ночор вазир қўлида бўлса. Бироқ, бахтларига Қарши лашкари ёрдамга келиб қолди ва Оллоҳқулихоннинг ҳам Чаҳоржўй томонга қайтиб кетиб қолгани маълум бўлди. Бухоро халқи бу қувончли хабарларни эшитиб, тинчландилар ва енгил нафас ола бошладилар.

Оллоҳқулихоннинг Бухорога бостириб келгани ҳақидаги шум хабар Сабот мавзеида амир Насруллоҳ қулоғига етиб, ўтакасани ёриб юборди ва у ерда қола олмай ўрнидан қўзғалганча шошилиш равишда уч манзил йўл босиб, Самарқандга келиб кирди. Оғам Абдибек ибн Баҳодирбек ибн Худоёр валинаъмини ҳузурига чорлаб хат юборди. Хўжақулибий *парвоначи* номига ҳам хат битиб, оғам Абдибекни юборишини сўради. Хат улар қўлига етгач, ул жонажон дўстни тўла обрў-эътибор билан кузатиб қўйдик ва ул амирлик паноҳи Самарқандга бориб, амир Насруллоҳ билан учрашди. Амир Насруллоҳ оғамнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, тилло жабдуқли от, хос хилъат билан бирга беш юз ашрафий олтин танга ва Ўратепа ҳукумати ёрлиғини берди. Ул оғамиз амир Насруллоҳдан кетишга ижозат олиб, Ўратепа сари юзланди. Анча йўл юргач, Ўратепа шаҳрига кириб борди ва амирлик мансаби ўриндиғига ўтирди. Амир Насруллоҳ у томондан кўнглини тинчитгач, Бухорога қараб йўлга тушди. Йўлларни босиб ўтиб, пойтахт Бухорога етиб келди. Аммо, билмайман, ўша кечаси фалак яна қандай ўйин кўрсатди эканки, амир Насруллоҳ қонга ташна икки нафар жаллодига буюриб, Хонпошшони тўрт яшар Музаффархон ва ҳали оғзидан она сути кетмаган гўдак, очилмаган ғунчадек мурғак Мансурхон исмли «мақто» ўғиллари ҳамда уч нафар ой юзли, анбар сочли канизи билан бирга бир лаҳзада ҳаммасининг умр навниҳолини таг-томири билан қўпориб ташлади¹⁴²⁵. **Байт:**

Дареғо ки шохи гули нав шукуфта,
Фурў рехт аз тундбоди хазоне.
[Афсус янги очилган гул новдаси,
Тўқди баргин хазон шамолидан].

Ўшанда жаллодлар дастлаб болаларини ўлдиришган ва бу янглиғ бераҳмлиқни кўрган Хонпошшо уларнинг ҳаромзода бўлишига қарамай, оналик меҳри қайнаб, ёқасини йиртиб, юзини тимдалаб уввос солган. Баъзиларнинг айтишича, мақто фарзандлари ўшанда ўлдирилмаган экан.

¹⁴²⁴ Манн – оғирлик ўлчов бирлиги. Турли давр ва ҳар хил жойда катта манн 7-8 кг, кичик манн 3.5-4 кг га тенг бўлган. Оғир манн XIX асрга келиб ботмон номини олган (19-21 кг га тенг).

¹⁴²⁵ 1844 йили ёзида амир Насруллоҳ олдиға келган эронлик қуллар ва тутқундаги инглиз элчиси руҳоний Жозеф Вулфни қутқариш учун келган эронлик элчи Аббосқулихон ёзишича, Пошшоҳон амирга бўйсунмаган ва уни ўзига яқинлаштирмаган, натижада бу унинг ўлимига сабабчи бўлган экан.

Афтидан бу сўзларда жон борга ўхшайди. Ул шафқатсиз ва диёнатсиз Миррих гавдали малъун икки жаллод ул замона Билқиси¹⁴²⁶ ва даврон Зулайхо¹⁴²⁷ си, раънолик боғининг ҳали димоғига баҳорий шабнам таровати етиб улгурмаган гулнолдаси устига девдек бостириб келиб, бу гулни даҳрнинг хазон елидан етгувчи офат каби нобуд қилишди ва замонамиз Ширини, гўзаллик ўлкаси денгизининг садафтош ичидан чиқиб, эндигина дурри ятимлик мақомига эришган дурдонасини ажал ғаввоси малак ал-мавтнинг тез тугар бозорида сув-текин ва арзон-гаровга пуллади. Сўнг ул икки девсифат жаллодлар икки орада қолган бегуноҳ ва мазлума паривашларни неча бир хорлик-зорликда томоғларига бедодлик ханжарини уриб, бўғизларига шаҳидлик шарбатини куйишди ва нозик баданларини қонли тупроққа белаб кетишди. **Байт:**

Рухе к-зи барги гул озор меёфт,
Тане к-зи торае мўйе тор меёфт,
Бар теғи кинбур шуд кушта ногоҳ,
Ба хуну хок шуд оғўшта ногоҳ.
[Гулбаргдан ҳам озорланувчи юзи,
Соч толасидан ҳам сиқилувчи тани,
Аёвсиз қилич зарбидан тилка бўлди,
Қону тупроққа беланди ногаҳон].

1258 йил муборак рамазон ойининг ўн тўққизинчи оқшоми душанба куни/1842 йили 24 октябр Ақрабнинг биринчисидан ул ой бу фоний дунё билан бутунлай видолашиб, юзини охират олами сари ўгирди. Шу зайл Рум ва Чин маликаларига бўйин эгмаган зийнатли тожи тупроқ узра думалади ва Фарангнинг ҳозир ўн саккиз ёшида тахт узра ўтирган бокира қиз қироличаси вужудини менсимайдиган феруза тахтининг бахти хору зорлик билан бир чеккани ихтиёр этди. Айланувчи гунбаз келинчаклари бу мусибатдан хокистар¹⁴²⁸ ўриндиғига ўтириб қолдилар, шафакнинг баланд шипида мусибатда қолганлар одати бўйича юзларини кўз қонлари билан ювдилар, субҳи содиқ эгнидаги кийимини йиртди ва Муштарий меҳтарлик ридосини эгнидан ечиб ташлади. Бу оғир ва шум воқеа асари Сурайё юлдузигача етди ва замин бу мотамдан бошига ҳасрат тупроғини сочди. Қариндош-туққан ва ёру дўст, ғулому канизаклар Банот ун-наъш юлдузлари туркуми каби ҳар ёнга тарқаб кетдилар ва гўё бу мазлума имкон оламига келмагандек, уни эсларидан чиқариб ташладилар. Ҳа, ахир айтмишлар, **байт:**

Афсўс ки мурғи рухро дона намонд,
Пайванд ба ҳеч хешу бегона намонд.
Дардо, дарёго ки дар ин муддати умр,
Аз ҳар чи бигуфтем жуз афсона намонд.
[Афсус, руҳ кушига егани дона қолмади,
Боғланишга қариндошу бегона қолмади.
Дариғо, умримиз бўйи айтган бари гапдан,
Э воҳ, ахир эшитгулик бир эртак қолмади].

Ул икки лаънати пир кўрмаган жаллод бекас ғариблар ишидан ўзларининг ифлос ва шум хотирларини жам қилгач, ўша ерда турган бир неча девсийратли ғуломлар бадбахт бечораларга ўзларининг дил пардасидан кафан бичдилар ва жасадларини мазлумаларнинг қонли кўз ёшлари билан ювдилар. Бераҳм ва айёр фалакнинг бу ўйинини қарангки, кимсасиз ўлган мусофирларни ташийдиган тобутни келтириб, юрт эгалари майитини шу тобутда элтиб, ғарибу бегоналар гўристонига дафн қилдилар. **Байт:**

Сари болойи ту дар хок дарёғ аст, дарёғ,
Зери хок он гуҳари пок дарёғ аст, дарёғ.
Жойи он буд ки жойи ту бувад дар дийда,
Рости, жойи ту бар хок дарёғ аст, дарёғ.
[Мағрур бошинг тупроқ аро ҳайфдир, дариг,
Ул пок гавҳар тупроқ остида ҳайфдир, дариг.
Кўзларда туришга арзийдиган ўрнинг бор эди,
Эй, ахир, жойинг қаро ерда ҳайфдир, дариг].

¹⁴²⁶ Сулаймон пайғамбарнинг аслида малика бўлган хотинига ишора.

¹⁴²⁷ Юсуф пайғамбар Миср тахтига чиққач вазир Азизнинг беваси Зулайхога уйланади, шу билан унинг илгариги ошиғи Зулайхо маликага айланади.

¹⁴²⁸ Хокистар – кул.

Умархон ёнида икки йилу тўрт ой ором олганди. Ўн тўққиз йил давомида эса Муҳаммадалихон ёнида ҳаром умр кечирди. Тўла икки ой эса амир Насруллоҳнинг зўравонлик оғушида бўлди. Оқибатда шунча кўрган ҳузур-ҳаловатлари бу дунёда ул маломатда қолган бечоранинг бурнидан минг баробар бўлиб чиқди. Умри муддати ўттиз саккиз ёш бўлди. **Маснавий:**

Манеҳ то тавони дил андар жаҳон,
Ки нопойдор асту номехрубон.
Ҳар он пора хеште ки дар манзар аст,
Намудор аз қадди сийминбар аст.
Ҳар он гуле ки дар гулистон бувад,
Ҳамин орази дилситоне бувад.
Ба жузи хуни шоҳон дар ин ташт нест,
Ба жуз хоки хубон дар ин дашт нест.
[Қўлингдан келса бу жаҳонга дил берма,
Субутсиздир у ва меҳрибонлик йўқ унда.
Саройдаги бу ғиштлар оқбаданлар қаддидан
Бир нишонадир.
Гулистондаги ҳар бир гул
Ўша жононларнинг юзи.
Бу тош тосда шоҳлар қонидан ўзга нарса йўқ,
Бу дашт гўзаллар тупроғидан ўзга нарса йўқ.

Ул парипайкар вафотининг таърихи:

Соли таърихаш чу межустам зи даври дуни чарх,
Гуфт дар таърихи фавташ «мурд он Хонподшоҳ»
[Бу пасткаш дунёдан унинг вафоти йилин сўрадим,
Ўлими таърихида «ўлди ул Хонпошшо» деди)

Бу марсия ҳам унинг шаънида айтилган:

Дардо ки беҳи гулбуни шоди бурида гашт,
Ва ҳасрато ки шоҳи тараб борвар намонд.
Эй дил фиғон бар ор, ки ороми жон бирафт,
Ва зи дида хун бибор ки нури басар намонд.
[Эй дариғ, шодлик ниҳолининг томири узилди,
Ҳасратларким, қувонч шоҳида қолмади самар.
Эй дил дод деб йиғла, ороми жон кетди,
Эй кўз, сен қон йиғла, кўздан нур кетди].

Ул паричеҳра ҳаётига доир баёнимизни, худо хоҳласа, ушбу китобимизнинг амир Умархон ва Муҳаммадалихон воқеаларига бағишланган бобларида муфассалроқ тарзда келтирамиз.

Алқисса, амир Насруллоҳ икки кун Бухорода нафас ростлагач, учинчи куни чарчаб толиққан лашкари билан Хоразм томонга йўналди. Омую дарёси бўйига етиб, Оллоҳқулихоннинг Чаҳоржўй қалъаси қамалини ташлаб, қалъа атрофидаги ҳалиги қирқ минг уйлик аҳолини кўчириб¹⁴²⁹, Хоразмга қайтиб кетганини эшитди. Амир Насруллоҳ бир ҳафтадан кейин қайтиб, Бухорога келиб тушди ва эртаси кун Хўқанднинг қолган-қутган амирларига ҳам кўч-кўлони билан ўз ватани Хўқандга кетишлари учун рухсат бериб, ўзи Бухорода беш кун давомида йўл чарчокларини ёзди ва рамазон ҳайити намозида қатнашди. Шундан сўнг бир неча маҳрамини ёнига солиб, яна Қарши томонга юзланди. Йўл юриб, Нахшабга кириб келди. Шаҳрисабздан Хўжақули *парвоначи* укаси Бобобийни ўз амирлари билан бирга амир Насруллоҳ ҳузурига юборди. Амир Насруллоҳ Шаҳрисабз катталари келганидан жуда хурсанд бўлиб, уларга иззат-икромлар кўрсатди. Бобобийни *додхоҳлик* амали билан сарафроз қилди ва бошқаларини ҳам ҳолларига лойиқ амаллар билан сийлаб, яхши тўнлар кийгизди. Сўнг қайтишларига рухсат бериб, ўзи бир ҳафтадан сўнг Бухоро томонга қайтиб кетди. Йўл юриб, Бухорога етди ва йўл азобларидан кутулиш илинжида яхшилаб дам олди.

Қуйидаги воқеа эса 1258 йил шаввол ойининг ўн биринчисидан/1842 йил 15 ноябр рўй берди. Ўша вақтда амир Насруллоҳ, ҳалиги айтганимиздек, Қарши шаҳрига юзлангач, оғам мавлоно Ҳозик келажакда Аллоҳдан бўладиган ишлардан кўрқиб, чўл орқали қочишни ихтиёр қилибди. Мавлоно Ҳозикнинг қочиб кетганидан хабар топган амир Насруллоҳ ўзига қарашли худдудда елдек учувчи чопарларни зир югуртириб, мавлоно Ҳозик қаерда бўлса, дархол топиб ушласинлар, деган хабарни ўз қармоғидаги масъул кишиларга етказди. Қаршидан ҳам Шаҳрисабзга одам жўнатиб, бу ерлардан

¹⁴²⁹ Бу қирқ минг кишилик хонадон фақат така туркманларига тегишли оилалар бўлган.

хам суриштириб кўрди. Биз бу хабарни эшитиб «ана энди мавлоно Ҳозикдан ҳам айрилдик» дея, афсус-надоматлар чекдик. Чунки, бундан бир неча йил илгари Шаҳрисабз томонга оғам қочганда, уни йўлда ушлаб олгандилар. Мавлоно Ҳозик ўшанда ушбу байтни юбориб, қутулиб қолганди, **байт:**

Девонаро Худой нагирад ба ҳеч журм,

Шоҳ, чун зилли худойи, ту ҳам магир.

[Телбани Худо не жинояти бўлса ҳам гуноҳкор қилмайди,

Шоҳ, сен худонинг ердаги соясисен, шунинг учун сен ҳам унга тегма].

Аммо, бу гал иш бошқача эди. Бинобарин, қулоғимизни кимор гаровига динг тутган каби «мавлоно қандай кунларда қолдийкин» деган тахминлар билан ўтирардик. Бир куни икки хизматкори билан соғ-саломат Шаҳрисабзга фақирнинг уйига кириб келса бўладими! Қувончимизнинг чеки бўлмади. Сўрасак, мавлоно ўзининг қандай яширингани ва қай йўсин қочгани борасида ҳикоя қилиб, сўнг шундай деди: «Амир Насруллоҳ агар ўзига қарашли сарзаминнинг ҳар бир бурчагини ғалвирдан ўтказса ҳам мавлоно Ҳозикнинг бирон чангидан нишон топа олмас, агар Бухоро мамлакатининг барча аҳолиси тезучар лочинга айланиб, мавлоно Ҳозик кетидан парвозга киришсалар ҳам унинг чанги кетидан қувиб ета олмас эдилар. Ҳа, ана шундай иш кўриб, Шаҳрисабзга эсон-омон етиб олдим». **Байт:**

Узлате хоҳам ки гар чархи фалак чун гирдбод,

Хокдон даҳрро пазад наёбад гарди ман.

[Бир чеккани истайманки, фалак тўзон гирдобин ясаб,

Ер юзини ғалвирдан ўтказса ҳам чангим топа олмагай].

Ўша айёмда хўқандликлар кўшини келиб, амир Насруллоҳ томонидан Тошкандда ҳукмронлик қилиб ўтирган Муҳаммадшариф *оталиқ* билан қаттиқ жанг қилиб, Муҳаммадшариф *оталиқ*ни қўлга туширибди ва бутун Тошканд вилоятини олишибди, деган хабар келди. Шундан сўнг эса Бекмуродбий ўғли Худоёрбий ҳам амир Насруллоҳдан юз ўгириб, Шералихонга кўшилибди, деган хабар етишди. Амир Насруллоҳ боши қотиб, буларга қандай чора топишини билмай ўтирганда, Урганж ҳокими Оллоҳқулихон бу дунёдан ўтибди ва ўрнига тўнғич ўғли Раҳимқулихон ҳукумат тахтига чиқибди, деган хабар келди. Амир Насруллоҳ ўзи учун қувонарли бўлган хабарни эшитиб, белини буккан ҳалиги ғамлардан сал қаддини ростлагандек бўлди.

Ўша пайтда Хўжақули *парвоначи* укаси Бобобий *додхоҳ*га Шаҳрисабз ҳокимлигини топшириб, ўзи Китоб шаҳрига кетиб ўтирганди. Бобо *додхоҳ*нинг кўнглига яккахокимлик савдоси туша бошлади.

Хўжақули парвоначининг Шаҳрисабз вилоятини улуг тангри сийлови билан эгаллагани зикри

Бу гапнинг қисқаси шуки, бир кун Хўжақули *парвоначи* фақирнинг уйига келган эди ва бир кичик меҳмондорчилик уюштириб, суҳбат қурардик. Мавлоно Ҳозик ҳам уйимизда бўлиб, шу зиёфатда у ҳам бор эди. Шунда Бобо *додхоҳ*нинг укалик йўлидан ташқари қадам кўйиб, муҳолифат ноқорасини чалишга киришгани ҳақидаги хабар келди. Бу қайғули хабардан барчамиз ҳайратга тушдик. Бироздан сўнг Китоб шаҳрига борадиган йўлни тўсгани борасидаги гаплар қулоғимизга чалинди. Шундан сўнг Хўжа *парвоначи* ҳам ўз тадорики пайдан бўлди ва бир неча марта элчилар юбориб, укасини бу каби ярамас ишдан қайтаришга уриниб кўрди. Аммо, бу панду насиҳатлардан фойда чиқмади. Ниҳоят қарасак, иш тинчлик билан битмайдиган. Яширинча равишда Ўртақўрғон¹⁴³⁰ ҳокими Дўст Муҳаммад *додхоҳ* ва Шаматон¹⁴³¹ ҳокими Абдулмўъмин *мироҳур* ва Деҳияк¹⁴³² ҳокими Якуббекка одам юбориб, агар шаҳар эгалланса, Шаҳрисабз ҳокимлиги Хўжақули *парвоначи* кўлига ўтади, шаҳар ташқарисида Бобобийга қарашли қанча ноҳия бўлса, мирлар тўртга тақсимлаб, ўзларига оладилар, дея ваъда берди. Улар ҳам бу сўзни қабул қилиб, маслаҳатни шу ваъда бўйича бир ерга кўйиб, аҳду паймон қилишди. Пайшанба куни бу воқеадан Бобо *додхоҳ* хабар топиб, кўрққанидан «шаҳардан чиқиб, отамнинг олдига бориб, оёғига йиқиламан ва узр сўрайман» дея отаси олдига келадиган эмиш, деган хабарлар келди. Ўша аснода, бу кейинги хабардан илгари Муҳаммадсодик *девонбегининг* Султонмуродбек исмли ўғли ул содда ота ва бузғунчи ўғил воқеасини кўриб, ўзини шайтонга таълим берувчи санаб юрган бу одам ушбу мисра мазмунича, **Мисраъ:** Падарат зоғ, илло ту чаро акка шуди (Отанг ола қарға-ю, аммо, сен нега ҳаққа бўлиб туғилдинг), деган сўзларни

¹⁴³⁰ Ўртақўрғон – Шаҳрисабздан 9 км. масофада Чирокчи йўлида, бугунги Болта Фозилов жамоа хўжалигида жойлашган.

¹⁴³¹ Шаматон – Шаҳрисабз туманидаги кишлок.

¹⁴³² Деҳияк/Даяк – Шаҳрисабздан 7-8 км. шимолий-ғарбда, бугунги кунда Амир Темур жамоа хўжалигида жойлашган.

кўнглидан ўтказиб, ўзини дўст қилиб кўрсатган кўйи Хўжақули *парвоначи* хизматига келган эди. Бу гаплардан сўнг эса дарҳол кетишга рухсат олиб, Шаҳрисабз сари юзланди. Шу кетишда, иттифоқо, Китоб шаҳри йўли ўртасида отаси хузурига бош эгиб келаётган Бобо *додхоҳ*ни учратибди ва Бобо *додхоҳ*ни ўз ҳолига кўймай, шаҳар томонга қайтарибди. Бобо *додхоҳ* шаҳарга қайтиб киргач, бу гаплардан беҳабар Дўст Муҳаммад *додхоҳ* ва Абдулмўъмин *мирохур* ҳалиги келишув бўйича ул томондан шаҳар дарвозасига келиб, уруш солишибди. Бобо *додхоҳ* иш қўлдан чиққанини англаб, нима қиларини билмай қолибди ва кўрққанидан Шаҳрисабз ҳукуматини қайинотаси Абдулкарим *мирохур* ибн Бекназарбий валинаъмига топшириб, дарҳол унинг номига жар солдирибди. Ўша ондаёқ Абдулкарим *мирохур* Оқсаройга кириб, ҳукумат ўриндигига ёнбошлабди.

Бу томонда эса Хўжақули парвоначи «ҳозир укам Бобо *додхоҳ* келиб қолади» дея, кутиб ўтираверибди. Кўп ўтмай мазкур воқеалар хабари етиб келганида эса фалакнинг бир нафасда шунча ғавғоларни бошлаганидан ҳайрон қолибди. Биз ҳам бу хабарни эшитиб, таажжуб ва таассуфлар қилиб тургандик, ўша аснода Дўст Муҳаммад *додхоҳ* ва Абдулмўъмин *мирохур*дан «тез отланинг, бизлар энди тамом бўлдик» деган хабар келиб қолди. Хўжақули *парвоначи* шу заҳоти отланиб, шаҳар яқинидаги Обисиёҳга етишдик. У томондан ҳам шаҳарликлар чиқиб, мардликнинг додига етган кўйи қаттиқ уруш солишди. Ўша вақтда офтоб ботиш маҳали бўлиб, анча олишгач, икки томон кўшини бир-биридан ажраб кетишди. Бир нечалар ўққа учиб, анчалар яраланди. Ўша кечаси совуқ ҳам жуда шиддатига олди. Неча бир азоб ва укубатда шу ерда тунаб қолдик. Эртаси куни Китоб вилоятининг барча кўшини йиғилиб, шаҳарнинг шарқий томонидан қалъа томон йўналдик. Шаҳар дарвозасига минг қадам берироқ ердаги Чоршанбатепа мавзесига етганимизда, яна жангни бошлаб юбордик. Хўжақули парвоначининг оқсоқоллари ҳарамни ўйлаб, секин келишарди, аммо, мен Хўжақули *парвоначини* ўз ҳолига кўймай, олдинроққа олиб келгандим. Шаҳар қалъасига яқинлашгач, қадим замонлардаги машҳур урушларни ҳам орқада қолдирадиган қаттиқ жанг бўлди. Кўп киши йўқлик олами сари юзланди, кўплар эса ярадор бўлишди. Ўша вақтда мен олдинга чиқдим ва мени кўрган кўшин аҳли бундан дадилланиб, бирданига от солишди. Шу ҳамла билан Китоб лашкари шаҳрисабзликлар кетидан қувлаган кўйи қалъага кириб олди. Биз ҳам улар кейнича шаҳарга кириб, Хўжақули *парвоначи* ҳамроҳлигида Оқсаройга бориб, *парвоначи* шу тариқа Шаҳрисабзни қўлга киритди ва ҳукумат тепасига чиқди. Бу воқеа 1258 йил зу-л-қаъда ойининг йигирма олтисида жумъа куни/ 1842 йил 30 январ Жадийнинг ўнида рўй берди. Ўшанда бир кунлик ҳоким Абдулкарим *мирохур* ва Бобо *додхоҳ*ни ушлаб олиб, Хўжақули *парвоначининг* олдига келтиришди. *Парвоначи* Бобо *додхоҳ*ни Китобга жўнатди, Абдулкарим *мирохур*ни эса уйига кетишига рухсат берди. Аммо, бир ҳафтадан сўнг уларнинг ҳар иккаласини ҳам вилоятдан чиқариб, Бухорога бадарға қилдирди ва шу билан улардан кўнглини тинчитиб, мамлакат ишларига тартиб ва низом беришга киришди. Ўша куни оғам мавлоно Ҳозик яхши бир таърих айтганди, **таърих:**

Мир Хўжақули бек он ки аз ў
Ёфт имрўз жоҳ шавкату шон.
Волии мулки Кеш ҳомии дин,
Сари ҳуккоми кишвари Турон.
Кафи ў баҳри гуҳари инъом,
Дили ў кони жавҳари эҳсон.
Онки ҳар кас паноҳ бо вай барад,
Зи рафти рўзгор ёфт амон.
Дар ҳукумат чу даъвии ширкат,
Дошт бо вай якеаш аз ихвон.
Фитна сар кард бо сипоҳе чанд,
Кард оҳанги жанг дар майдон.
Оташи фитнаро ба як соат,
Суф кард андар оби теғу синон.
Ҳотафе гуфт баҳри таърихаш,
«Фатҳ гардид мулки Кеш осон»
[Мир Хўжақули бек улким бугун,
Чиқди мансаб тахтига шавкат ила.
Кеш мулки волийси, дин ҳомийси,
Турон ҳокимлари сарвари у тамом.
Қўли инъом гавҳарининг денгизи,
Дили эҳсон жавҳарининг кони.
Ким қачон истаса ундан бошпана,

Замон исканжасидан қолади омон.
Давлатда шерик бўлмоқчи эди унга,
Укаларидан биттаси бу даъво ила.
Қўзғади фитна ёнида катта сипоҳ ила.
Жанг майдонига уруш ила от сурди,
Фитна оташин бир лаҳзадаёқ ўчирди,
Пуфлаб қиличининг суви билан акаси.
Таърихи учун ҳотафдин келди овоз:
«Фатҳ бўлди Кеш мулки осон»].

Мавлоно Ҳозик Бухородан қочиб, Шаҳрисабзга келганида, узр йўсини билан амир Насруллоҳга хат ёзганди. Шу мактубда манави байтни битганди, **байт**:

Миннати як устухонро сағ шиносад солҳо,
Он ки неки диду нашинохт аз сағ камтар аст.
[Ит битта суяк берган кишининг яхшилигина сира унутмас,
Яхшилиқ кўриб, шунинг қадрини билмаган киши итдан паст].

Амир Насруллоҳ бу хат жавобида «майли, мавлоно келаверсинлар» деган мазмунда бир хат ёзиб, уни мавлоно Ҳозикнинг ўғли Мирзо Муҳташам билан бирга юборганди. Хат мавлонога етишгач, мавлоно Ҳозик бормаслиги сабабини исботлаб, амир Насруллоҳ хатининг жавобида ўта бир беписандлик билан бир мактуб жўнатди. Бу байтни эса ўша хатда келтирган эди, **байт**:

Чун ҳузурам сабаби ранжиши табъат гардид,
Мегир нарм ки малулат накунам бори дигар.
[Ҳузурим кўнглинг оғринишига сабаб бўлган экан,
Яна бориб, сиқилтириб ўтирмайин, озгина юмша].

Бу хат амир Насруллоҳ кўлига теккач, мавлонодан дарғазаб бўлди ва тўрт нафар пир кўрмаган ўғрини кўп ваъдалар билан мавлоно Ҳозикни олиб келиш учун юборди. Ул лаънатилар амир Насруллоҳдан топшириқни бажариш учун кетишга рухсат олиб чиққач, Шаҳрисабз шаҳрига келиб, мавлонони ушлаш учун пайт пойлаб юрдилар. Ўзига пистирма қўйилганидан хабар топган мавлоно Ҳозикнинг ўзи бу воқеани бизларга айтиб, кўрққанидан саросимага тушганча менинг уйимда анча вақт яхшигина яшириниб юрди. Аммо, умри паймонаси тўлган ва ажал ёқасидан маҳкам ёпишган экан, ҳеч бир тадбир ва ўй-фикрлар фойда бермади. Гапнинг қисқаси шуки, бошига қандайдир бир фикр келиб, Хўжақули *парвоначидан* шаҳар ташқарисидан яхши бир ҳовли ажратиб беришни сўради ва шундай ҳовлини қўлга киритиб, яхшигина бекиниб ётган бизнинг уйни ташлаб, ўша ёққа кўчиб кетди. Қаранг энди, олган ҳовлиси шундай чекка бир жойда бўлиб, минг кишини ўлдириб кетсалар ҳам бирон киши хабар топмасди. Бир куни олдимга келиб, ёнимда бўлиб турсинлар, дея хизматкор сўраб, битта хизматчимни олиб кетди. Фақирнинг хизматкори ва ўзининг бир хизматкори мавлоно ёнида бўлиб юришди. Иттифоқо, бир куни биттаси қолиб, иккинчиси йўқ экан. Ўша кечаси худодан мавлонони шундай бир овлоқ жойда учратишни тилаб юрган ҳалиги бераҳм кофирлар фурсатдан фойдланиб, мазкур йилнинг Далв ойининг еттинчиси ва зу-л-ҳижжанинг йигирма бешинчисида шанба тонгида (1843 йил 28 январ) мавлононинг ҳовлиси эшиги олдига келиб, эшикни бузиб, хонага кирдилар. Ҳар ҳолда мавлоно Ҳозик бундан хабар топиб, қиличини яланғочлайди ва баланд овозда доду фарёд қилиб, одамларни чақиради. Ахир бу орада эшитадиган ким ҳам бўлсин. Мавлононинг кўзлари қоронғу тунда яхши кўрмасди. Айтганимдек, икки хизматкордан бири менинг қулим бўлиб, кўринишидан Рустам ва Асфандиёр гўё унинг шогирди каби туюларди ва ана ўша қулим туркларнинг «урса кул қочар» деган мақолига амал қилиб, жонини ғанимат билибди ва жуда бир номардлик кўрсатиб, мавлононинг ўзини ёлғиз ташлаб қочибди. Ул бераҳм жаллодлар уйга кириб, мавлононинг уч жойидан қилич уриб, ардоқли бошини пок танидан жуда қилиб, қирқилган бошни ўзлари билан бирга олиб қочишибди. Шу тариқа шаҳид бўлган мавлоно фоний дунё билан видолашиб, юзини охират сари бурибди. Фақир ғаддор фалакнинг бу каби ўйинларидан беҳабар роҳат уйқусида ётган эдим, шовқиндан уйғониб, бу шум хабарни эшитдим ва даҳшат ичида ўрнимдан сапчиб туриб, ўша томонга юзландим. Ўша вақтда тонг оқариб, мавлононинг уйига етиб, қарасам, бечора мавлоно Ҳозикнинг бошсиз гавдаси қон ва тупроққа қоришиб ётибди. Ичимдан дардли бир фиғон отилиб чиқди ва кўзларимдан қонли ёшларим жоладек бўлиб оқди. Энди бу ишнинг ҳеч қандай чораси йўқ эди. Ноилож тақдирга тан бердик. Хўжақули парвоначи ҳам бу воқеадан хабар топиб, дарҳол етиб келди. Ким бу воқеадан хабар топган бўлса, лолу ҳайрон ҳолатда ҳар хил ўйлар гирдоби ичида қолди. Ниҳоят, мавлонони катта обрў-эътибор билан Китоб шаҳрининг шарқий қисмидаги «Охунд қабри» гўристонига олиб бориб, дафн қилдик. Айна ўша чоғда амир Насруллоҳ Қаршига келган бўлиб, бояги

лаънати палид гумроҳ ва каззоблар мавлоно Ҳозикнинг бошини ўша ёққа амир олдига элтишди.

Қитъа:

Оҳ аз он манзиле ки дар пеш аст,
Ки гузаргоҳи шоҳу дарвеш аст.
На аз ин дом метавон жастан,
На аз ин қайд метавон растан.
[Оҳ ул олдда турган манзил дастидан,
Шоҳу дарвешнинг борадига жойи ул.
На бу тузокдан қочиб чиқиб бўлур,
На бу домдан қутулиб кетиб бўлур].

Қитъа:

Дунё на маҳалли истиқомат ба кас аст,
Ақлу хирад а-р турост ин нукта бас аст.
Бар умр чи эътимод к-ин ваҳший рух,
Мурғест ки риштааш зи тори нафас аст.
[Дунё одам учун бемалол ўтирадиган жой эмас,
Ақлинг бўлса сенга шу сўзим кифоя эрур, бас.
Умрга не ишонч бор ахир, бу ёввой рух бир,
Қушким, оёғидаги ипи эрур унинг тори нафас].

Амир Насруллоҳнинг Хоразм мамлакати сари қўшин тортгани ва у ердан мурод-мақсадига етмай неча бир қийинчиликда қайтгани зикри

1259/ 1843-44 йили амир Насруллоҳ Урганж халқидан қасос олиш мақсадида Бухоронинг барча қўшинини йиғиб, мазкур хатарли уруш сари киришди. Хўжакули *парвоначидан* ёрдам сўрагани, у марҳум Дониёл *оталиқнинг* укасининг ўғли Абдурахим *мирохурни* беш юз киши билан юборди. Ҳисор мирларидан ҳам кўмак сўради, улар ҳам Ҳисорнинг энг катта амирларидан саналган Сўфи *девонбегини* беш юз киши билан жўнатдилар. Шибирғондан Рустамбек ҳам беш юз кишиси билан келди. Хулласи калом, гуллар очилиб, боғу бўстонларни яшнатган ва дала-дашт юзини райҳону чечаклар қоплаган, булбуллар улар ишқида сабрсизлик билан гуллар султони ишқида ёнгандек, чаҳ-чаҳ уриб сайраган баҳор фаслининг бошида, аниқроғи, мазкур йилнинг рабиулаввал ойининг ўнида пайшанба куниси жуда катта қўшин билан неча бир дабдаба ва шавкатда Урганж сари юзланди. Уч кундан сўнг Омун дарёси қирғоғига етиб, дарёдан кечиб ўтди ва Чаҳоржўй қалъасида қўш ташлади. Беш кун давомида йўл чарчоқларини ёзиб, ҳордиқ чиқарди ва олтинчи куниси у ердан кўчиб, йўлга юз тутди ва анча йўлларни қийинчилик билан босиб ўтгач, Фитнак¹⁴³³ мавзесига кириб, борди. Бу ҳодиса рўй бериши мумкин бўлмайдиган ишлардан бири сифатида қарайдиган урганжликлар бу хабарни эшитиб, хайрон қолдилар, сўнг ноилож уруш ва мудофаа ишларига ҳозирлик кўра бошладилар. Алқисса, амир Насруллоҳ ул ҳудудга етгач, эртаси куни Фитнак мавзесидан кўзғалиб, мақсад томон юзланди. Барча зарбдор кучларни ўзидан олдин ҳужум учун жўнатди. Улар тез суръатлар билан йўл босиб, Ҳазорасп вилоятига етдилар. Бу ҳодисадан беҳабар бемалол ўтирган фуқаро бухороликлар боскин-чопқинига учраб, кишлок аҳолисидан канчасининг мол-мулки, бор-буди талон-торож қилинди, уларни таҳқирлаб, обрўларини оёқ ости қилдилар. Сўнг Ҳазорасп қалъаси қамалига киришдилар. Буни эшитган амир Насруллоҳ улар кетича тезликда йўлга тушиб, қалъадан ярим фарсах нарироқда жойлашди. Ҳар кун тўплар отиб, Ҳазорасп қамалига машғул бўлди. Қалъадан ҳам ҳимоячилар чиқиб, ҳар куниси уруш ва муҳораба, икки томондан ҳам тўпу милтиқ отиш амалга оширди. Аммо, шунча тайёргарлик билан келган бухороликлар ҳеч бир жиҳатдан устун келмай, фатҳу ғалаба нишонасини кўрмадилар. Натижада қамал муддати йигирма кунга чўзилиб, Бухоро қўшини ичида қаҳатчилик бошланди. Ўша орада Раҳимқулихон укаси Бобожон *иноқни* катта қўшин билан Хивақ шаҳридан Ҳазорасп¹⁴³⁴ га ёрдамга жўнатишга улгурди ва бу лашкар жадал юриб, Хонқоҳ¹⁴³⁵ ва Бешариқ¹⁴³⁶ ўртасида қўш ташлади. Урганж билан Бухоро лашкари орасидаги масофа тахминан уч фарсах эди. **Байт:**

Киро афсари тахт бар сар ниҳанд,

¹⁴³³ Финак/Питнак – Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ҳудудидаги шаҳар.

¹⁴³⁴ Ҳазорасп – Хоразм вилоятида туман маркази, Урганждан 56 км. масофада жойлашган.

¹⁴³⁵ Хонқоҳ/Хонқа/Хонақоҳ – Хоразм вилоятидаги туман маркази. Урганждан 18 км. масофада жойлашган.

¹⁴³⁶ Бешариқ – Хоразм вилоятидаги Боғот туманидаги кишлок. Урганждан 32 км. масофада жойлашган.

Киро маркаб мураккаб марг дар бар ниҳанд.
[Кимнинг бошига тахт тожини кийдирарлар,
Кимнинг ўлимдан иборат от тутқазарлар].

Алқисса, бухоролик аскарлар урганжликлар аскари келганидан хабар топгач, ўй ва фикрга ғарқоб бўлдилар ва толдек титрай бошладилар. Бу хабарни амир Насруллоҳ эшитиб, у ҳам ташвишга тушди. Ўша аснода Урганж кўшидан эровул келиб, лашкаргоҳга босқин-чопқин уюштиргани ҳақидаги хабар тарқалди. Бу гап Насруллоҳ қулоғига етишиб, чор-ночор барча аскарларини улар билан жанг қилиш учун отлантирди. Бухоро кўшинидагилар амир Насруллоҳдан бу буйруқни олгач, ҳаммаси душман томон юзланди ва фалак қўзғатмоқчи бўлган ўйиндан беҳабар, тезликда эровулчилар кетидан таъқиб қилишга тушдилар. Уларни қувлаб, бирпасда жуда катта кўшиндан иборат Урганж лашкаргоҳига дуч келиб қолдилар, қарасалар, фалак тағин бир ўйин кўрсатиб турибди. Буни кутмаган Бухоро аскарлари бу бало гирдобидан қандай қутулишни билмай, бошлари қотди ва тақдирга тан беришдан бошқа чора топмай, ўлишга рози бўлиб туришди. Гапнинг қисқаси шуким, Урганж аскарлари овнинг ўз оёғи билан осонгина тузоққа илинганини билгач, дарҳол уруш солдилар. Икки кўшин бир-бири устига ташланиб, оёқ остидаги ер бир зумда баҳодирлар қони билан кизил ёқут рангига кирди. Шошиб қолган ажал ёшу қарининг юзига қарамай, ҳаммасини бир хил баҳога сота бошлади. **Маснавий:**

Зи боридани тир ҳамчун тагарг,
Зи ҳар гўша бархост туфони марг.
Зи ғурридани кўси холии димоғ,
Ниҳон гашт аз дида рўйи фароғ.
[Ўқнинг дўлдек ёғишидан,
Ҳар бурчакдан ўлим тўфони қўзғалди,
Ичи пўк довуллар бўкиришидан,
Кўздан йўқолди тинчликнинг юзи].

Хуллас, анча уруш ва муҳорабадан сўнг зафар насими Урганж кўшини томонидан эса киришди. Бухоро лашкари эса зўрға қочишга тушди Урганжликлар уларни таъқиб қилиб бориб, кўпини қатлга еткардилар, айримларини асир олдилар. Ўша чоғда куёш ботиб, оламни тун қоронғулиги қоплади. Фақат ана шу туфайлигина бухоролик аскарлар неча бир меҳнат-машаққатда ул бало гирдобидан омон қолдилар ва хуфтондан сўнг зўрға ўз лашкаргоҳига қайтиб келдилар. Бу аянчли ва йирик мағлубиятдан хабар топган амир Насруллоҳ ўтга тушган соч толасидек ғам оловида жижғанақ бўлиб куйиб-ёнди. Бу улкан ғалабани кўрган урганжликлар тағин-да катта жасорат билан илгари босдилар. Эртаси куни олтин товус ўз қанотини зангори осмон узра ёйиб, хукмронликни қўлга олган ва пасткаш оламни ўз нурлари лашкари билан эгаллаган маҳалда амир Насруллоҳ ва унинг барча аскарлари вазиятни бу тахлитда кўриб, чуқур ўй гирдобига ботдилар ва ул гирдобдан қай йўсинда қутулиб, омонлик қирғоғига чиқишни билмай қолдилар. Анча маслаҳат ва машваратдан сўнг барча асосий зарбдор кучлар орқада қолиб, шу турган кўйи Урганж лашкари олдига тўсиқ бўладилар, деган қарорга келдилар. Амир Насруллоҳ эса Тилов бозорчи билан бирга Бухорога кетадиган бўлди.

Байт:

Ҳар кас ки зи ҳадди худ қадам пеш ниҳад,
Дар дасти адув фитад нахоҳад ки жаҳад.
[Ким ўз ҳаддидан ташқари кўйса қадам,
Тушиб ёв қўлига қутула олмас ҳеч ҳам].

Алқисса, эртаси куни шу маслаҳатга амал қилиб, бир Ҳазорасп эмас, юз минг Ҳазорасп¹⁴³⁷ баҳридан кечган кўйи саргашта бир ҳолатда Ҳазораспдан кўчиб, шошилиш суратда Фитнак мавзесига қайтиб келдилар. Бу воқеадан урганжликлар хабар топиб, жуда бир бепарволик билан Бухоро кўшини устига ташландилар. Бу хабар амир Насруллоҳ қулоғига етиб, ўзи ҳам отланишга мажбур бўлиб, тайёр турди.

Аммо, айна шу чоғда орқада келаётган бухоролик аскарлар қарашса, қочиб қутулишнинг ҳеч бир йўли йўқ. Ноилож, барча сайъ-ҳаракатлари билан душманга ташланиб, рақиб кўшинини орқага суриб, бир фарсахлик наридаги Ҳазорасп қалъаси яқинига қадар чекинтиришга эришдилар. Урганжликлар эса қичқиришиб, тағин улар кетидан қувишга тушдилар. Бироқ, булар Урганж кўшинининг бир қисми эди, бошқа ёрдам ҳали етиб келмаганди.

¹⁴³⁷ Бу ерда сўз ўйини бор – “ҳазор асп”нинг луғавий маъноси “минг от” демакдир.

Ўша вақтда амир Насруллоҳнинг ҳовлиқма ва аҳмоқ бир маҳрами «урганжликлар Бухоронинг барча лашкарини битта қўймай асир олибдилар, кунимиз битди» деган хабарни олиб келди. Бу гапдан амир Насруллоҳнинг ҳуши бошидан учиб кетиб, хўнграб йиғлашдан ўзини тия олмади ва бир зумда ўзини йўқотиб, аянчли аҳволга тушди. **Байт:**

То кай чун шамъ бояд тожи зар бардоштан,
Чанд баҳри обрў оташ бар сар доштан.
[Олтин тожни бошда шамдек кўтариб юрмоқ қачонгача,
Обрў илинжида бошда оловни кўтариб юрмоқ қачонгача?]

Алқисса, бу хабарни барча бухороликлар эшитиб, қўл-оёқдан батамом тушдилар ва вужудларини даҳшатли қўрқув камраб олиб, симоб каби изтиробда тўлғондилар ва ҳаётдан бутунлай умид узиб, тақдирга тан берган қўйи ўлимни кутиб ўтирдилар. Аммо, шу орада ҳалиги гапнинг шошилинида айтилиб, воқеа ҳақиқатидан йироқ экани маълум бўлди. Аслида икки қўшин бир-биридан ажралиб, Бухоро сипоҳи орқадан ҳозиргина эсон-омон етиб келганди. Бу гап бухоролик аскарлар орасида ёйилгач, халқ озгина ўзига келиб, хурсанд бўлишди. Амир Насруллоҳ ҳам бу гапдан ниҳоятда қувониб, аммо, яна бир хатога йўл қўйиб, қўшинни ўша ерда қолдирганча ўзи бир неча яқинлари билан бирга шошилинич равишда Бухоро томонга қараб кетди. **Қитъа:**

На ҳар ки табу алам сохт сарвари донад,
На ҳар ки тохт ба кишвар Искандари донад.
Улуви фитрат, таъби расо худодод аст,
На ҳар гиёҳ ки бирўяд санавбари донад.
[Туғ, ноқора ушлаган кишининг бариси сарвар эмас,
Юрт олиш учун йўрғалаган ҳар кимса Искандар эмас.
Зотида улуғлик, кўнгли тўғрилиқ худодан берилар,
Боғда ўсган ҳар бир ўт ахир сарви санувбар эмас].

Амир Насруллоҳнинг бу ишидан қўшин аҳли хабар топгач, саросимага тушиб ва бошлари оққан қўйи ҳар томонга чопа бошлабди. Ит эгасини, мушук бекасини танимай қолибди. Аскарлар энди албатта дарё балиқларига ем, осмон қушларига лўқма бўлажагига ишонч ҳосил қилишибди. Кўплари дарҳол оғир юкларини ва қуролларини ташлаб, ватан йўли сари юз тутишибди.

Алқисса, амир Насруллоҳ жуда катта тезликда ёнидаги ва кетидан қочиб келган қўшин билан бирга кунига икки бор қўчиб, етти кеча-кундуз давомида ул қонхўр саҳрони босиб ўтиб, неча бир қийинчиликдан сўнг Элчик кечувига етиб олди.

Ўша вақтларда Муҳаммадниёзбой исмли хоразмлик амалдор Раҳимқулихон томонидан ноиб сифатида Марви Шоҳижаҳонда ҳукм юргизарди. Марвнинг туркманлари кажрафтор фалакнинг турфа ўйинларидан беҳабар ва амир Насруллоҳ урганжликларни албатта енгади, деган ўйда ғафлат босиб ва дадил қадам ташлаган қўйи ўша бегуноҳнинг бошини танидан жудо қилиб, барчаси амир Насруллоҳга тобелик билдириб, шошилинич суратда амир ҳузурига отландилар ва мазкур мавзеда амир Насруллоҳга келиб қўшилдилар. Аммо, бу орада ўзгарувчан фалакнинг бошқача ўйинлар қўрсатганидан ҳаммаси қилган мазкур ишларидан жуда пушаймон бўлдилар. Бироқ, бўлар иш бўлганидан ва эндиги пушаймондан фойда йўқлигини билиб, тақдирга тан бердилар ва урганжликлар қасосидан қўрқувга тушиб, ишнинг оқибатини ўнглаш фикрида бўлдилар. Амир Насруллоҳ улар келганидан хурсанд бўлди ва ҳар бирига ўз мақомига қараб саруполар инъом қилди. Туркманларни ўз паноҳи остига олган бўлиб, Муҳаммадалихон мода олдига бир неча бор элчилик расми билан борган ва Жиззахда ҳоким бўлиб турган Остонақулини Марвга ҳоким қилиб, туркманларга қўшиб юборди. Ўша мавзеда яна ҳар томондан ёрдамга келган мирларга ҳам саруполар қийгизиб, уйларига қайтиб кетиш учун руҳсат бериб юборди. Қўшинга эса дарёдан кечишни буюрди. Кечувда кема кам бўлиб, барча лашкар аҳлига етмас эди. Урганжликлар таъқибидан қўрққан аскарларнинг мингтаси бир-бири билан битта кема устида жикқа-мушт бўлиб талашар эдилар. Шу сабабли амирнинг хос одамлари минган тўртта кема мавжланиб оқаётган дарёга ғарқ бўлиб, ундагилар Жайхун балиқларига ем бўлдилар. Амир Насруллоҳ қараса, иш чаппасига кетиб бўлган. Ҳали душман қўшини йўқ ерига одамлари шунча ваҳимга тушиб, ўзларини кемага уриб ётишибди. Агар душманнинг қораси кўринса, унда барчаси ўзларини тап-тап дарёга отиб, ўзларини ўзлари ҳалок қилишса керак. Ноилож, амир бошини эгганча, бир неча *надими* билан лашкарини у қирғоқда ўз ҳолича қолдириб, неча бир қўрқув ва ваҳима ичида Омуйа дарёсидан кечиб ўтиб, омонлик соҳилига чиқиб олди. **Маснавий:**

Гар аз гардун биборад ханжару тир,
Наояд коргар бе ҳукми тақдир.
Ва гар олам саросар об гардад,
Яке бе ҳукми раббони намирад.

[Осмондан ёғилса-да, гар ханжар, ўқ,
Такдирдан бошқа бирон иш бўлмас.
Дунёни бошдин-оёқ сув босса ҳам,
Тангри изнисиз бирон киши ўлмас].

Бу ҳолни кўрган лашкар эса баттар ваҳимага тушиб, аскарларнинг бир бўлаги қандай қийинчилик билан бўлмасин, дарёдан ўтиб олишди, кўплари эса шоша-пиша бир неча масофа наридаги Чаҳоржуй қалъаси томон юриб, бир кеча-кундуз деганда қалъага етиб, Чаҳоржуй кечуви орқали ўта аянчли бир ҳолатда Омую дарёсидан кечиб ўтиб, уйлари томон кетишди. Айтишларича, ўша сафар чоғи жуда кўп от ҳалокатга учраб, бухоролик аскарлар Ҳазораспдан то уйларигача пиёда қайтишган.

Амир Насруллоҳ дарёдан кечиб ўтгач, шу шошилганича, уч кўч масофани босиб ўтиб, Бухорога кирди ҳамда уруш азоблари ва йўл чарчоқларини ёзиб, дам олди*.

*Сўз маънолари мағзини чақувчи нуктадонлар назаридан яширин қолмасинким, гапимиз бошида ҳар гулистондан бир гул узиб, Манғития давлати тарихини баён қилган эдик. Худо хоҳлаб, умр вафодорлик қилса, эндиликда чиройли юрар самандимиз димоғига ҳар бўстондан бир тароват етишиб, бир сўзлилик майдони ичра яна хуш хиром этгусиким, бу ишда Аллоҳи эгамнинг ўзи ёр бўлсин.

ЎН ИККИНЧИ ТОИФА

Минглар сулоласи вакиллари етти киши эди ва уларнинг салтанати Фарғона мамлакатада юз йил бўлди. Бу сулоланинг биринчи вакили Раҳимхон ибн Шаҳрух¹⁴³⁸ *оталиқ* ибн Муҳаммадхоликбий ибн Чамашбий бўлиб, у [Шайдо лақаби билан танилган ва ушбу айёмдаги эшон Хожажонхоннинг аждоди ҳисобланмиш] йўлбошчилар паноҳи мавлоно Лутфуллоҳ Чустий¹⁴³⁹нинг муриди эди. Алар ҳазратлари эса валийлар султони ва сўфийлар паноҳгоҳи Махдуми Аъзам¹⁴⁴⁰нинг – *сирларини Аллоҳ азиз тутсин* – муриди эканлар. Ва Шаҳрух *оталиқ* уч нафар азиз фарзанднинг отаси эди: Раҳимхон, Абдулкаримбий ва Шодибий. Уларнинг истиқомат манзили Дехқон тўда мавзесида бўлиб, Хўқанд шахрининг уч фарсахлик жанубий чеккасида жойлашган бу ер ҳозир харобага айланган. Хуллас, сулоланинг бу вакиллари илгари ўша мавзеда яшаганлар.

У пайтлар ҳали Раҳим *оталиқ* юзнинг ўғли Оқбўтабий Хўжандда амирлик ноқорасини чалиб ўтирган даврлар эди. Азалий тақдир тақозоси ва пешонага битилган қисмат юзага чиқиб, Оқбўтабий Шаҳрух *оталиқ*нинг ҳаё пардаси ортида ўтирган қизига совчи кўйди ва қанча тўю-томошалар қилиб, қизни ўз никоҳига киритди. Раҳимхонни ҳам ўз хузурига элтиб, мулку давлат ишларини унга топширди. Ўзи эса кўнгил хушлик ва айшу ишрат ишлари билан машғул бўлди. Шу тариқа, бора-бора Раҳимхоннинг давлат бошқаришдаги шуҳрати овозаси элу-юртлар аро ёйилиб, Оқбўтабий лашкарининг барча саркардалари Раҳимхон сари майл билдирдилар. Оқбўтабий бу ҳолдан воқиф бўлиб, Раҳимхонни ушлаш пайига тушди. Раҳимхон бундан огоҳлик топди ва ўзининг бир неча яқин кишилари билан туғилган ватани сари қочиб кетди. Унинг қочиб кетганидан хабар топган Оқбўтабий дарҳол беш юз нафар қирғизга Раҳимхоннинг орқасидан қувлаб етиш ва зудлик билан ушлаб келишни буюрди. Қирғизлар тезликда Раҳимхоннинг кетидан қувишга тушиб, Шумқўрғон мавзесида унга етиб олдилар. Ул мардоналик ўрмонининг арслони ғишт қолипдан кўчгани ва ўқ камондан узилганини англаб, кўп умид ва кам кишиси билан қўлини ўқу-камон сари чўзганча душманга қарши жангга киришди ва ушбу **байт**даги сўзлари бўйича: –

Гар эътиқоди ту бар аспи лашкар аст салом,
Марост бар карами дўст эътиқоди тамом.
[Гар ишончинг лашкар отигадир кўпроқ,
Менинг ишончим дўст карамига ҳар чоқ].

* Шу жойгача манбанинг ўн биринчи тоифа, яъни манғитлар даврига оид қисми Душанбе факсимиле нашри асосида таржима қилинди – Ш.В.

* Шу жойдан асарнинг иккинчи китоби бошланади ва унинг ўзбек тилига таржимаси Японияда чоп этилган нашр асосида амалга оширилди – Ш.В.

¹⁴³⁸ Минг сулоласининг вакили бўлган Шохрухбий (1709-1721) Кўкон хинлигига асос солган. Раҳимхон ибн Шаҳрух эса 1721-1733 йй. хон бўлган.

¹⁴³⁹ Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий (ваф.1572) нақшбандия тариқатининг йирик намояндаларидан.

¹⁴⁴⁰ Махдуми Аъзам Косоний – Жалолиддин Аҳмад Косоний (1461-1543) йирик тасаввуф намояндаси.

шундай сўйиш ясадиким, оёғи остидаги дашт қирғизларнинг қонидан лолазорга айланди ва Сайхун дарёсининг суви лаъл рангли қирмизи шароб тусига кирди. Айтишларича, Раҳимхоннинг Қанбар исмли бир жуда мерган ўқ-ёйчиси бор экан. Ана ўша мерганнинг бир ўзи шу куниси қирқ нафар қирғизни камон ўқи учига қадаб, отганларининг барисини ер тишлатди. Ниҳоят, тирик қолган қирғизлар қарашса, бир неча кишидан бўлак жангчилари қолмабди. Барча ўртоқлари йўқлик қаъри сари юз тутишибди. Шунда ўша беш-олти нафари ҳам яшаб қолиш учун фурсатни ғанимат билиб «секин қочган номард» дея, юзларини қочиш сари ўгирдилар. Раҳимхон эса бу ҳалокат қаъридан соғ-омон чиқиб, шу биринчи ғалабасини давлати нишонасининг яхши аломати ўрнида билди ва ҳақиқий султонимиз Аллоҳи таоло даргоҳига шукроналар адо қилиб, ўз ватани томон юзланди.

Оқбўтабий Раҳимхоннинг бу ишидан хабар топгач, ҳайрат бармоғини тишлади ва бу ёввойи овни қандай қўлга киритиш тадбирини била олмай, боши қотди. Ахийри, Раҳимхон олдиға сўзамол ва гапга чечан элчиларни юбориш пайдан бўлди, аммо, бу суҳандон элчилар орқали уни қанчалик хузурига таклиф этмасин, Раҳимхон бу илтимосларни қабул қулоғи билан эшитмади. Унинг бу иши ушбу мақолға мос тушганди. **Байт:**

Мурғе ки рамида гардад аз дом,
Минбаъд ба дона кай шавад ром.
[Қуш қутулса агар тузоқдан,
Тузоқ донин танир узокдан].

Бирок, Оқбўтабийнинг анча ваъдаси ва орада юзага чиққан аҳду паймонлардан сўнг ниҳоят ул олий мартабали Раҳимхон Оқбўтабий хузурига келди ва ҳар икки соҳиби давлат бир-бирига лутфу марҳамат кўргузгач, Оқбўтабий Раҳимхон қадамига ҳасанотлар айтди ва меҳмондорчилик расмини бекаму кўст адо этди. Бу воқеадан бироз вақт ўтгач, айрим фитна кўзғовчи шайтон сийрат бузуқи кишилар яна бир неча бор Оқбўтабийнинг ихлосини Раҳимхондан қайтариб, ул жасур ва довюрак хонни ҳибсга олиш сари ундашга киришдилар. Раҳимхон ҳам бу ҳолдан воқиф бўлмай қолмади ва бир кечаси Оқбўтабий Хўжанд Арки устида ноз уйқуда ухлаб ётган маҳал бир нечта қасоскор баҳодирлар билан бирга адоват қиличини белининг юз жойидан ўнгу сўл қилиб боғлаб, андишасизлик либосини эгнига ташлаб, Арк сари юзланди ва ул амирлик паноҳи устига ногоҳоний ўлим мисоли ёпирилиб келиб, кин-адоват қиличи воситасида амир ва унинг ёнида ухлаб ётган икки нафар ой юзли фарзандига қиёматгача қайтиб ўрнидан турғизмас даражадаги ўлим шарбатини ичирдилар. Шоир демиш, **байт:**

Сарашро ба ханжар буриданд зор,
Хурўшид замоне ва бар гашт кор.
[Бошини ханжар билан кесишди зор,
Замона кўпди, терс кетди иш якбор)

Ўша кечасиёқ ул бечора шаҳид амирни тупроққа топширдилар. Ва эртаси куни Раҳимхон амирлик тахтига ўтирди ва тез фурсатларда унинг давлати овозаси оламни тутди. Раҳимхон жасур ва шижоатли хон эди. Фарғонанинг кўп вилоятлари шу Раҳимхон томонидан фатҳ этилди. Шунга кўра, Раҳимхонни «соҳибқирон» ҳам дейишган. Раҳимхон бироз вақт ҳукумат юргизгач, Хўжандни укаси Абдулкаримбийга берди ва ўзи Хўқанд шаҳрига бориб ўтирди. Бу пайтлар Хўқанднинг янги барпо бўлган даврлари эди. Раҳимхон бу шаҳар ободончилиги учун кўп ҳаракатлар қилди. Марғинон ҳукуматини кенжа укаси Шодибийга топширди. Фарғонанинг барча мамлакатларини қўлга киритгач, бу каби ишлардан кўнглини батамом тинчитди.

Раҳимхоннинг Самарқанд ва Миёнкол томонга қўшин тортгани ва ул вилоятни фатҳ этгани зикри

Раҳимхон чексиз сонли лашкар билан Самарқанд томон юзланиб, бир неча манзилларни босиб ўтгач, Самарқанд вилоятига етишди ва ул мамлакатни осонлик билан тез фурсатда қўлга киритди. У ердан Янгиқўрғон томонга қараб юрди ва ул шаҳарни ҳам эгаллади. Шундан сўнг оти жиловини Шаҳрисабз сари бурди. У пайтда Кеш вилоятида Иброҳим *оталиқ*нинг укаси Ҳаким Букри хукмронлик қиларди. Раҳимхоннинг бостириб келаётганидан хабар топиб, уруш ва жангга тайёр бўлиб турди. Раҳимхон Шаҳрисабз яқинида қўш ташлагач, ҳар икки ўртада сўзамол элчилар алмашинуви амалга ошиб, томонлар дўстлик маслаҳатини бир ерга қўйдилар. Ҳакимбек ҳаё пардаси ичра ўтирган бокира жияни, яъни укаси Иброҳим *оталиқ*нинг Ойчучук оймим исмли ниҳоятда гўзал кизини Раҳимхонга никоҳлаб берди. Раҳимхон катта обрў билан Самарқанд сари равона бўлди. Бул шаҳарга кириб келгач, табиатида оғир бир хасталик пайдо бўлди. Айримлар айтишича, у ҳазрат шайх

Қусам ибн Аббос¹⁴⁴¹ – Аллоҳ *ундан рози бўлсин* – мазорига зиналардан отда чиқиб бориб, шу беадаблиги сабабли бундай касалга мубтало бўлган. Хуллас, танига шу касаллик ёпишгач, хон ўзининг ноиби сифатида Аннақули *додхоҳ* ва мулло Бечорани Самарқандда қолдириб, ўзи Хўқанд сари қайтди. Хўжандга келиб тушгач, касали баттар оғирлашди ва замона табиблари қанчалик давосига илож қилмасинлар, ҳеч бири фойда қилмади. Шу зайл бу дунё саройидан борлиқ кўч-кўлонини йиғиштириб, охират сари юз тутди. Наъшини Хўқандга элтиб, шу шаҳарда дафн қилдилар. Ҳукумати даври ўн йил ва умри муддати ўттиз уч йил бўлди. Раҳимхон Иброҳим *оталиқ*нинг бояги айтганимиз қизини ўз никоҳига киритган пайтда мазкур исматпаноҳнинг бўйида Раҳимхондан ҳомила қолганди. Ҳомиланинг вақти-соати етиб, Раҳимхон вафотидан сўнг гўзал юзли бир қиз йўқлик кўйнидан борлиқ майдонига келди. Унга Ойжон ойим деб исм қўйдилар. Гапнинг қисқаси, Раҳимхондан учта қиз ва бир ўғил ёдгор қолиб, бу ўғил фарзанд китобимиз бошида айтганимиз ўша Эрдонабий эди. **Байт:**

Бо қазо бар наметавон омад,
Бо қадр бар наметавон овехт.
[Қазо билан тенг келиб бўлмас,
Тақдир ёқасидан олиб бўлмас].

Хоннинг ўрнига Абдулкаримбий ҳукумат тепасига чиқиб, давлат ишлари билан машғул бўлди. Шунингдек, у акаси вафотидан сўнг хоннинг беваси Ойчучук ойимни ҳам ўз ақду никоҳига киритди.

Абдулкаримбийнинг ҳукумати айёмида Хитой томондан қалмоқ бош кўтариб чиқди¹⁴⁴². У пайтда Кошғарда Ойхожа ва Кунхожа каби саййидзодалар ҳукмронлик қилишарди¹⁴⁴³. Хитой лашкари еттита шаҳарни босиб олгач, бу саййидзода ҳокимлар кўп уруш ва жанглардан сўнг қочишни ихтиёр этиб, Бадахшон¹⁴⁴⁴ томон юзландилар. Ул шаҳарга етишгач, Бадахшон аҳолиси хитойликларнинг ёлғон ваъдаларига учиб, динни дунёга сотдилар ва ул икки саййидзодани ушлаб, хитойга топширдилар. Ул динсиз кофирлар эса саййидликнинг мазкур икки гавҳари бошини ўткир қилич тиғи билан имом Ҳусайиндек танасидан жудо қилиб, шаҳидлик даражасига етказдилар ва бу саййидзодалар қонидан Бадахшон тупроғи Бадахшон лаълидек қип-қизил бўлди. Гўё ушбу мақол бу ҳол тавсифида битилган эди. **Марсия:**

Замини Карбало шуд ин Бадахшон, эй мусулмонон,
Ки дар моҳи муҳаррам кушта шуд хожа ба сад хори.
Ба дастури Ҳусайнаш сар бурид он Шимри зи-жавшан,
Язиди шум сар бардошт боз аз нав ба жаббори.
[Карбалого дўнди бу Бадахшон, эй мусулмонлар,
Муҳаррамда ўлдирилди хожа, дилда армонлар.
Ҳусайн каби бошин кесди ул совут кийган Шимр,
Жабр учун тағин бош кўтарди Язид бу замонлар¹⁴⁴⁵].

Ул саййидлик паноҳларидан эмизикли бир фарзанд ёдгор қолди. Хайрихоҳ ва жонкуяр кишилар ул нодир дурни кофирлардан яшириб қўйишган экан. Шу кишилар сўнг чақалоқни олиб, одам билмас йўл орқали Бухорога етказдилар.

Хитойликлар саййидлар ишини бир ёқлик қилгач, нопок кўнгиллари жойига тушиб, қалмоқ кўшинини Фарғона мамлакатлари сари жўнатдилар. Улар эса кўп вилоятларни эгаллаб, Хўқанд вилоятини ҳам қамал қилдилар. Абдулкаримбий белини юз жойидан боғлаб, ул нопок кофирларга қарши ҳар кун ғазовот жанглари қилиб турди. Қамал муддати чўзила бошлади. Ўша пайтда Фозилбий ваълинеъмат ибн Содикбий юз Ўратепада ҳокимлик қиларди. У Абдулкаримбийнинг тутинган ўғли эди. Мазкур айёмда ёши йигирмага етганди. Бу воқеалар хабарини эшитган заҳоти тез суръатларда Хўқанд томонга шошилди ва бир неча манзилни босиб ўтиб, Хўқандга етиб олди ва ғазовот уруши шарафига мушарраф бўлди. Ул амирнинг келганидан Абдулкаримбий кўп хурсанд бўлди ва қадамини муборак санаб, амир ҳаққига яхши меҳмондорчиликлар бажо келтирди. Бир неча кундан кейин қалмоқ лашкарининг аҳволи оғирлашиб, Хўқанд мамлакатини ўз ҳолига ташлаганча юртлари

¹⁴⁴¹ Ислом пайғамбарининг Ўрта Осиёда “шоҳи зинда” лақабини олган амакиваччаси Қусам ибн Аббос ибн Абд ал-Муталлиб ибн Ҳошим ал-Қарши ал-Ҳошимий (VII аср).

¹⁴⁴² Жунғорларнинг Ўрта Осиёга ҳужумлари кўзда тутилмоқда.

¹⁴⁴³ Оффок хўжа ўғиллари – Хон хўжа (Хўжа Яҳё ибн Хўжа Ҳидоятulloҳ ибн Хўжа Муҳаммадюсуф ибн хўжа Муҳаммадамин ибн Махдуми Аъзам Даҳбедий ва Кун хўжа (Хўжа Бурҳониддин)лар назарда тутилмоқда.

¹⁴⁴⁴ Афғонистон Бадахшони кўзда тутилмоқда.

¹⁴⁴⁵ Имом Ҳусайн ибн Али ибн Аби Толибнинг Карбало даштида ёнидаги етмиш икки нафар яқинлари билан бирга уммавийлар халифаси Язид (680-683) буйруғига биноан муҳаррам ойида ҳалок этилиши ва имомнинг бошини қилич билан кесган лашкарбоши Шимр назарда тутилмоқда.

сари қайтиб кетдилар. Ислом аҳли кишилари уларни қувлаб бориб, жону молларини талон-торож қилишди. Айтишларича, Фозил валинеъматнинг Пирмуҳаммад исмли жасур баҳодири ўша куффор жангида бир кунда тўқсон нафар қалмоқ жангчисини найза санчиб ўлдирган. Жаноб эшон Султонхон¹⁴⁴⁶ айтишларича, ул зот бу ҳақдаги сўзларни Пирмуҳаммад Баҳодирнинг ўз оғзидан бир неча бор эшитган эканлар.

Алқисса, Абдулкаримбий кофирлар урушидан халослик топгач, Фозилбий валинеъматга тўла иззат-икром кўрсатиб, катта обрў ва эътибор билан Хўжандга қайтиши учун рухсат берди.

Ўша пайтда Абдулкаримбийнинг укаси Шодибий Марғинонда ҳокимлик қиларди. У ер халқининг кўпчилиги доимо қирғизлар босқин-чопқинига учрар ва шу сабабли Марғиноннинг чекка худудларидаги аҳолидан анчаси шаҳарга яқин келиб, ватан тутишганди. Кунлардан бир кун Шодибий овга қуш солиш учун чиққан бўлиб, шикор йўсини билан юриб, ул жамоа ўтирган жойга яқинлашди. Шунда кўнглига, *маҳрамлари* билан бирга ўзини қирғиз ясаб, қирғизлардан юраги олиниб қолган мазкур аҳолини кўрқитиш мақсадида улар устига «бостириб бориш» истаги келди. Буларни кўрган аҳоли эса чиндан ҳам қирғизлар босиб келишди, деб ўйлаб, нотаниш келувчилар сари милтиқ ота бошладилар. Вазиятни англаган Шодибийнинг *маҳрамлари* аҳолини воқеадан огоҳ қилишга киришдилар. Аммо, уларнинг бу уриниши кеч рўй бериб, тақдирни қарангки, бир дайди ўқ аллақачон Шодибийнинг кўкрагига теккан экан. Бий шу заҳотиёқ жонини ҳаққа топширди. Бу билан ушбу мақолдаги ҳодиса амалга ошганди, **мисраъ:** Дар жонбози чи жойи бози бошад (Жон билан ўйнашишнинг нимаси ўйин экан;) Уларнинг бу янглиғ ўйини мотам билан тугади ва шодликлари ғам билан қоришди. Барчаси йиғи-сиғи билан Шодибийнинг мурдасини шаҳарга келтириб, тупроққа топширдилар. Шодибий дан Сулаймонбек исмли бир фарзанд ёдгор қолди. Амирлиги муддати Марғинонда тўққиз йил ва умри ўттиз ёш бўлди.

Бир неча йилдан сўнг Абдулкаримбий ҳам бу даҳр тупроқхонасидан этак силтади ва юзини охират сари тутди. Ундан Абдурахмонбек исмли битта ўғил фарзанд қолди. Ҳукумати даврони саккиз йил ва ҳаёти муддати ўттиз тўрт йил бўлиб, у ўлгач ўрнига Эрдонабий ибн Раҳимхонни амирлик мансаби билан ўтказдилар. Эрдонабий Фарғонанинг барча мамлакатлари устидан фармонфармолик қилди. У кўп доно ва ақлли бир давлат эгаси эди. Синглиси Ойжон ойимни амакиваччаси Абдурахмонбекнинг никоҳига киритди. **Мисраъ:** Махро ба ситора аҳд бастанд (Ойни юлдузга қовуштирдилар) Давлатнинг ул икки гавҳари ноз тахтида ором олишди. Бир неча вақтлардан сўнг ул икки дурдонаи яктодан муштарий саодатли фарзанд йўқлик кўйнидан вужуд этагига қадам кўйди. Ул соҳиби давлатнинг исмини Норбўтабий кўйдилар.

Мазкур воқеадан олдин, аниқроғи, Раҳимхон замонасида Бухорода Абулфайзхон¹⁴⁴⁷ подшоҳлик қиларди. Бу подшоҳ ўта кетган маишатбоз ва ўйин-кулгига берилган ҳукмдор бўлиб, давлат ва мамлакат ишларига қарамасди. Шу сабабли ўзбек амирлари орасида бош-бошдоқлик вужудга келганди. Жумладан, улардан бири Фарҳод *оталиқ* саналиб, ўз улуси ичида бир неча кун ҳукумат ноқорасини чалиб юрди. Самарқандда эса ҳукумат ўриндиғига ўтирадиган муносиб бир киши йўқ эди. Амирлар ноилож саййидлар ва нажиблар паноҳи жаноби эшон Абдушаҳидхожа ибн жаноб Абдулмажидхожани ҳукумат тахтига ўтказдилар. Бир неча кун ўтгач, бу саййидлар паноҳи билан мазкур Фарҳод *оталиқ* ўртасида уруш рўй берди. Зафар насими язидийлар байроғи томон эсиб, жаноб саййидни асир олдилар ва хусайинвор шаҳидлик даражасига етказдилар. **Байт:**

Бар авлоди паямбар теғ рондан,

Хуш он касро ба хукон умр бурдан.

[Пайғамбар авлодига кўтаргандан кўра шамшир,

Яхшироқдир яшамоқ тўнғизлар ичра бир умр].

Азиз фарзандлари эшон Ортукхожа эса қочишни ихтиёр этиб, Хўжанд томонга юзланди. Ул жанобнинг келганидан Абдулкаримбий хабар топиб, қучоқ очиб кутиб олди ва бу саййидлик паноҳининг қадамини муборак санаб, яхши бир уйга туширди. Эшон жаноблари ул вилоятда турғун яшаб қолдилар. Эрдонабий валинеъмат замонасида зиёрат йўсини билан Тахти Сулаймонга бордилар. Эрдонабий ул зотнинг қайтиб келишини баракат сабабчиси билиб, бир неча кун хизматларида бўлди. У вақтда Кенагас ойим номи билан танилган Ойчучук ойим бинт Иброҳим *Оталиқ*нинг ҳаёт умри икки йили кам эллик ёшга етган бўлиб, ул исмат ва ҳаёлик намунасини эшон жаноблари никоҳига киритди. Бироз муддат ўтгач ул хонимнинг эшон жанобларидан бўйида қолиб, бир фарзанд дунёга келди. Ул саййидзода исмини Ҳаким тўра кўйдилар. Бу пайтда эшон жанобларининг ёши етмишдан ошган эди.

¹⁴⁴⁶ Муаллиф ахборотчиларидан бири Султонхон тўраи Аҳрорий «Адо» кўзда тутилмоқда.

¹⁴⁴⁷ Абулфайзхон, аштархоний. Бухорода 1711-1747 йиллари ҳукм сурган.

Гапнинг қисқаси шуким, ул асрда Бухорода Раҳимхон манғит¹⁴⁴⁸ ҳукумат юргизарди ва Эрдонабийни тутинган фарзанди деб атаганди. Ўратепада Фозилбий валинеъмат ибн Содикбий ҳукумат тепасида эди. Бу воқеаларнинг баёнини олдинроқ батафсил ёзган эдик.

Раҳимхон манғит ва Эрдонабийнинг биргаликда Ўратепа устига бостириб келиб, ноумид қайтганлари зикри

Раҳимхон чексиз лашкар билан Ўратепа устига юргач, Эрдонабий валинеъмат ҳам кўзғалиб, ҳар икки давлат эгаси бир қанча йўлларни босиб ўтиб, Ём мавзесида бир-бири билан учрашдилар ва биргалашиб Ўратепа қамалига киришдилар. Аммо, бир неча кун ўтгач, Муҳаммадаминбий кутқусига учиб, ҳар иккаласи ҳам ўз ватанлари сари қайтиб кетдилар. Ўша пайт Эрдонабий валинеъмат кўшини самовий офат ва осмоний балолардан саналмиш ел ва шамол тўфонига дуч келдилар ва бу чанг-тўзон ҳодисасидан фойдаланган юз халқи писиб-яширинганча улар кетига тушиб, Эрдонабий лашкардан кўпини ушлаб олдилар. Сўнг каллаларидан минора ясадилар. Эрдонабий валинеъмат эса неча азоб-укубат ва меҳнату-машаққатлар билан ўзини Хўқандга етказди ва туну-кун бу ҳодисалар кўз олдидан кетмай, қасос олиш пайдан бўлди.

Эрдонабий валинеъматнинг Ўратепа томонга қўшин тортиб боргани ва юзлар жамоасини қатли ом йўсини билан ёппасига қирғин қилгани зикри

Қасос ўтида ёнган Эрдонабий валинеъмат бироз муддатдан сўнг жуда кўп лашкар билан Ўратепа мамлакати устига юзланиб, бир неча манзил йўлни босиб ўтгач, ул шаҳарга етишди. Бу хабар Фозилбий валинеъмат қулоғига етди. Дарҳол отланиб, катта қўшин билан муҳолиф олдига чиқаркан ғанимини косадаги тайёр ош ва осонликча ютиб юборадиган луқма, деб ўйлади. Аммо, кўзанинг кунда эмас кунда синишини хаёлига ҳам келтирмади. **Байт:**

Душман чу бини нотавон, лоф аз бурути худ мазан,
Мағзест дар ҳар устухон, мардест дар ҳар пираҳан.
[Душманни ожиз кўриб, ўз мўйловингдан урма дам,
Ҳар суякда бор илик, ҳар кўйлак тагида бор (мард) одам].

Икки лашкар денгизи Оқсув деган мавзеда бир-бири устига ташлангач, шундай бир азим уруш бўлдики, жанг майдони ботирлар қонидан қип-қизил рангга бўялди. **Байт:**

Чунон шуд ки кас руйи кишвар надид,
Зи паси куштагон шуд замин нопадид.
[Кўринмай қолди атрофдаги бор олам,
Чун ўликлар ер юзин қоплаган бу дам].

Анча уруш ва жанглардан сўнг зафар юлдузи Эрдонабий валинеъмат уфқидан балқиб чикди, Фозилбий валинеъмат юлдузи эса сўна бошлади. Юзлар лашкари қочиш сари юзландилар, минглар кўшини эса улар кетидан қувиб, душманни қатлга етказмоқ ва айримларини асир олмоқ билан машғул бўлдилар. Ўша куниси Эрдонабий валинеъмат ўз қўли билан юзларнинг ўн саккиз нафар улуғини ўлдирди. Шу чопқин маҳали қўлидаги қилич бир гал хато кетиб, оти бошига бориб тушди ва отнинг бошини икки бўлакка бўлиб ташлади. Эрдонабий валинеъмат шундан сўнггина ҳовридан тушиб, қилич сармаш ва одам ўлдиришни бас қилди. Фозилбий валинеъмат эса бу даҳшатли ҳалокат майдонидан қанча меҳнату машаққат билан ўзини зўрға нажот қирғоғига етказди.

Эрдонабий валинеъмат асир тушганларни бир ерга йиғиб, барчасини бир қолмай ўлдириш ва бошларидан «калла минора» ясашни буюрди. Унинг айтганидай қилиб, асир бечораларни қаторлаштириб кўйиб, бир-бир бошларини кесдилар ва ул мусулмонлар қонидан Оқсув дарёси¹⁴⁴⁹ Қизил денгизга айланди. Минглар юзлар бошидан бир минг бир юз калла минораси эмас, балки «калла тоғи» ясадилар. Айтишларича, ўша замонларда Фозилбий валинеъмат хизматида бир ширали овоз соҳиби бўлиб, унинг товуши олдида Довуд саси¹⁴⁵⁰ ва Нохид¹⁴⁵¹ овози ҳеч гап эмас экан. Мусиқа илмини яхши эгаллаган ва ул даврда бу соҳада унга тенг келадигани топилмас, ўхшаши йўқ бу

¹⁴⁴⁸ Раҳимхон ибн Ҳақимбий ибн Худоёр ибн Худойкули манғит Абулфайзхонни ўлдиргач, аввал унинг фарзанд ва неварсаини кўғирчоқ хон сифатида тахтга кўтарди. Сўнг 1756 йили ўзини «хон» деб эълон қилиб, ҳокимиятни ўз қўлига олади. Вафоти 1758 йил 24 март (14 ражаб 1171 ҳижрий йили).

¹⁴⁴⁹ Оқсув дарёси – Ўратепа яқинидаги дарё.

¹⁴⁵⁰ Довуд пайғамбарнинг ширали овози билан ҳам машҳур бўлганига ишора.

¹⁴⁵¹ Қадимги юнонлар ақидасича Нохид (Венера, Зухра) юлдузи базму ишрат, мусиқа рамзи сифатида тасвирланган.

ашулачининг овозаси барча диёрларга етган экан. Буни қарангки, ўша бечора ҳам асир тушиб, бу аёвсиз бош кесишлардан қўрққанидан, балки, ширали овозимни эшитиб, санъатимга тан беришар ва шунинг воситасида ўлимдан омон қоларман, деган ният ва илинжда шу қиёмат қойим чоғи ёқимли товуши билан ашула айтишга тушибди. Аммо, ул бечора бу пайтда Эрдоабий учун – **мисраъ**: «Овози хар ва нағмаи Довуд якест» (Эшакнинг овози билан Довуд пайғамбарнинг товуши бир хил), эканини қайдан ҳам билибди. Эрдоабий қатли ом тугагач, ул бечоранинг ҳам бошини танасидан жудо қилиб, ҳаммадан юқорироқ қўйишни буюрди ва навкарлар худди у айтгандек қилиб, бу бахти қаро ашулачининг кесилган бошини калламиноранинг энг тепасига қўйишди. Эрдоабий шундан сўнг зафар ва ғалаба билан Хўқанд тарафга қайтди. Қўли бироз вақт ўлдир-ўлдир ва талон-торож каби ишлардан бўшагач, эгри юрувчи кажрафтор фалак эски қилиғини қайтадан бошлаб, Эрдоабийнинг яна бир неча муддат тинч ва осойишта ўтиришига йўл бермади.

Хулласи калом, Абдурахмонбий ибн Абдулкаримбий мазкур Эрдоабий валинеъматдан хадиксираб, ҳозир Испара¹⁴⁵² номи билан аталувчи Испаройин қалъаси томон кетди ва у ердан Чаҳоркух¹⁴⁵³ қалъасига ўтиб, қалъани мустаҳкам қўрғонга айлантирди ва ўша ерда амирлик ўриндиғига ўтириб, қаршилиқ ноқорасини чалди. Эрдоабий бу қўрқинч аломатли хабарни эшитиб, ҳайрат денгизига чўмди ва бу тугуннинг қай тадбир ва қандай ҳийла билан ечилишини билмай қолди.

Байт:

Бар нахезам зи сари кўйи ту то жон дорам,
Ношуда кор ба жон аз сари жон бархезам.
[Турмасман кўчангдан токи бор танда жоним,
Жон иши битмай жондан кечмоққа йўқ имконим].

Қараса, ҳеч томондан бирор фойдали йўл кўринмайди. Ноилож, кўнгилни уруш сари қўйди. Шу бўлиб, етти йил давомида ораларида жуда кўп уруш ва тўқнашувлар рўй берди. Абдурахмонбий хизматидаги Эрназар Итбош баҳодирликда ўз замонасининг тенгсиз ва мислсиз амирларидан бўлиб, бу урушларда марди майдонликнинг додига етганча қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб юрди. Ниҳоят, Эрдоабий ҳийла ва алдов йўлини тутиб, бир неча қалбаки аҳду-паймон ва ёлғон ваъдалар билан ул содда кўнгил амир Абдурахмонбийни ўзи томон ром қилишга эришди ва уни Хўқандга олиб келишга муваффақ бўлди. **Мисраъ**: Эй умеди ман ва аҳди ту саросар чун бод (Менинг умидиму, сенинг аҳдинг бори бир елдир) Эрдоабий бу амир Хўқандга келгач, хурсандлик изҳор этиб, унга муносиб бир уй тайин қилди. Ўша пайтлари Эрдоабий амирларининг катталари Идрискулбий ва Абдурахмон баҳодир бўлиб қолдилар. Анча вақт ўтгач, Эрдоабий улар билан ушбу маслаҳатни ўртага солиб «Ақлли одам ҳеч қачон тирик тулкини ов белбоғига осиб, ёнида олиб юрмайди. Ҳеч ким илонни енги ичида сақламайди. Шундай бўлгач, нега энди мен кўнглимни ўз душманам ғамидан тинч тутарканман. Эшитмаганмисиз, ахир айтмишлар-ку» дея, қуйидаги байтни ўқиди. **Байт:**

Агар донаи ҳийла бошад касе,
Ба дом оварад мурғи зийрак баса.
[Киши айланса ҳийла-тадбир донига,
Сергак қушларни туширар ўз домига].

Ул икки баҳона изловчи мир Эрдоабий оғзидан бу янглиғ гапларни эшитгач, таҳсин ва офарин айтдилар ва «эй шоҳимиз, бу каби иш ҳукумат ва давлатчиликнинг муҳим тадбирлари сирасига киради, яхши ўйлабсиз» дея, ушбу мақолни ҳол тили билан баён этдилар. **Байт:**

Аз ҳар ки дилат гарони оварад,
Ўро сабук аз миён бардор.
[Кимдан дилинг оғринса сенинг,
Орадан кўтаргил уни сен секин].

Шу машваратдан сўнг Эрдоабий ул беоқибат икки *сардор* билан маслаҳатни бир ерга қўйиб, кўнглини Абдурахмонбекни ўлдирмоқ сари қаратди ва бир кечаси бир нечта дев сифат малъунга Абдурахмонбекни ўлдириш борасида буйруқ берди. Ул шайтон башара қотиллар йигитлик бўстониинг гули бўлмиш бегуноҳбек устига келиб, хотини Ойжон ойим бинт Раҳимхон билан бирга шаҳид этдилар. Ўша пайтда азиз фарзанди Норбўтабий ўн икки яшар эди. Ва Ойчучук ойим фарзандларини бу аҳволда кўриб, ҳушидан кетди. Бирор соатдан сўнг ўзига келди. Сочларини юлиб, юзларини тимдалаб, **мисраъ**: аз дида ба жойи ашк хун меборид (кўзидан ёш ўрнига қон оқизиб), Норбўтабийнинг қўлидан ушлаганча жонсиз ётганлар устига олиб келди ва «булар кимлигини биласанми» деди. Норбўтабийнинг кўзи онаси ва отасига тушиб, уларнинг шунча хору-зорликда

¹⁴⁵² Ҳозирги Тожикистон Республикаси, Суғд вилоятидаги Исфара шаҳри.

¹⁴⁵³ Чаҳоркух/Чоркух – Исфаранинг шарқий-жанубида жойлашган жой.

тубанлик тупроғига қорилган кўйи қизил қонига беланиб ётганини кўрди. Фарзандлик томири жунбушга келди ва йиғлай бошлади. Кенагас ойим «эй фарзанд, отанг ва онанг ўлимнинг сабабчилари кимлигини биласанми?» деб сўради минг алам ва дард ичида. Норбўтабий «биламан, Ирискулибек ва Абдурахмон баҳодир» дея жавоб берди. Кенагас ойим «ундай бўлса энди сасингни чиқара кўрма» деди ва неварасининг кўлидан тутиб, ўзини бир чеккага олди. Ва ичи қора одамлардан бир нечтаси ул икки вафодор ёрнинг ўлигини бир тобутга солиб, қабристон сари элтдилар ва ушбу мақолга мос ҳол рўй берди, туркий **байт**:

Бир наъшга солдилар икковни,
Жонсиз келин ва ўлук куёвни.

Ва ул мазлумларни неча бир хорлик-зорликда дафн қилдилар. Кенагас ойим аҳволни бу янглиф кўргач ва Эрдонабий дан қаттиқ кўрқиб қолгач, кетишга рухсат олди ва икки қадрдон набираси билан туғилган ватани сари юзланди. Бир неча масофа ва манзилларни орқада қолдириб, Шаҳрисабзга етиб келди. Бу пайтда ҳукумат Рустам авлодлари жамоаси кўлидан чиқиб, Бекназарбий ихтиёрига ўтган эди. Бекназарбий улар қадамани муборак билиб, бегона хонадон вакили бўлишига қарамай, ҳақни қарор топтириб, кўлига ўтган барча мулкларни асл эгаларига қайтариб берди. Кенагас ойим шу зайл ўзининг барча мулкига эга чиқди. Тўла ихтиёр ва фароғатда икки нафар қамар юзли невараси билан тинч-осуда ҳаёт кечира бошлади. Бу гаплардан тўрт йил ўтгач, Кенагас ойим кўнглига ўша пайтларда иршодлик ўриндиғини ўзининг баракатли зоти билан безаб ўтирган валийлар кутби ва сўфийлар паноҳгоҳи эшони бузруквор Мусоҳонхожа жаноблари зиёрати ҳаваси тушиб, юрагининг иккита парчаси бўлмиш неваралари билан ул саййидлик паноҳи манзил сари юзланди. Манзилга етгач, ул жаноб даргоҳининг тупроғини кўзига тўтиё қилиб сурди. Ва ул йўлбошловчи ҳидоятпаноҳ улар ҳаққида кўп лутфу марҳаматлар кўргузди. Бир неча кундан сўнг жаноби эшон ҳазратлари ҳаё пардаси ортида ўтирган ва замон Робия¹⁴⁵⁴ си саналган мастура қизини саййидлик паноҳи эшон Ҳаким тўранинг никоҳига киритди. Ўша кечасиёқ бахт юлдузлари яқинлашуви рўй бериб, турмуш курганлар ушбу **мисраъ**да айтилган: Қирон чун Муштарий бо Зухра мекард (Муштарий¹⁴⁵⁵ Зухро¹⁴⁵⁶ билан яқинлик ҳосил қиларди), сўзлари сингари айшу ишратга машғул бўлдилар.

Ўша кезлари Эрдонабийнинг жияни Хонхожа ибн Юсуф Алихожа тоғаси Эрдонабий дан кўрқиб, Даҳбед¹⁴⁵⁷ га қочиб келган ва эшон жаноблари хизматида умр кечираётган эди. Бу гаплардан анча вақт ўтгач, Кенагас ойим бир неварасидан кўнглини хотиржам қилиб, ул жанобни Даҳбедда эшон ҳазрат хизматида фарзанд сифатида қолдирди ва ўзи яна битта невараси, яъни Норбўтабий билан Ўратепа сари йўлга тушди. Манзилу мақсадга етишгач, Фозилбий валинеъмат улар қадамани муборак билиб, жуда эъзоз-икром кўрсатди ва Қизли қалъасини ён-атроф туманлари билан бирга уларга инъом қилди. Ва бийи мазкурнинг азиз фарзанди Худоёрбий билан Норбўтабий қиёматлик дўст тутиндилар. Норбўтабий икки йил мазкур ерда истиқомат қилди. Шу орада Эрдонабий мактублар юбориб, шу хатлар ва қасамлар орқали Норбўтабийнинг дилини ваъдаларга тўлдириб, Хўқандга чақириб олди. **Мисраъ**: Ба шаҳри худ равам ва шаҳриёри худ бошам (Ўз шаҳримга бораман ва ўз юртим шоҳзодаси бўламан].

Эрдонабий уни ўзининг кўп сийловларига сазовор этиб, ҳозир Муйи муборак деб аталувчи Қоратепа мавзесида ҳоким қилиб қўйди. **Байт**:

Касеро ки Эзид зи жойи ҳамул,
Бар орад ба авжи камолу қабул.
[Истаса агар кўтарар худойим ҳар кишини,
Нишонсиз жойдан шўҳрат авжига ишини].

¹⁴⁵⁴ Робиа – Робиа ал-Адавийа (713/714-801) - Басра зоҳидларининг таниқли вакиласи. Болалигида чўри қилиб сотилган. Кейинчалик художўйлиги ва зоҳидларга хос турмуш тарзига ихлос билан риоя этгани сабабли озодликка чиқарилган. Бир неча йил саҳрода ёлғиз яшаган. У Аллоҳни севишдан бошқа жамики нарсаларни рад этиш тарафдори бўлган. Аллоҳдан ҳеч бир тамаъ - манфаат кўзламай, уни мутлақ севиш - инсон маънавий ҳаётининг моҳияти эканлигини зоҳидлардан биринчи бўлиб таъкидлаган. Робиа ғоялари кейинги авлод суфийлари орасида кенг тарқалиб, Бистомий, Ҳаллож, Ибн Фарид, Ибн Арабий ва б. суфийлар таълимотининг асосини ташкил этган. Робиа Адавия тақводорлик, Аллоҳни севиш намунаси деб билиниб, «авлиё» сифатида улуғланади.

¹⁴⁵⁵ Муштарий (Буржис, Юпитер) еттита (Ой, Уторуд, Зухра, Қуёш, Миррих, Муштарий, Зухал) сайёрадан бирининг номи бўлиб, юнон мунажжимлари ақидасича у бахт рамзи ҳам саналади. Ҳар бир сайёра эса битта осмон табақаси ва ер юзи иқлимларидан бирига нисбат берилиб, улар шу ўлкалар ҳомийси сифатида талқин этилган.

¹⁴⁵⁶ Зухро (Нохид, Венера) юлдузи гўзаллик, ишқ-севги, базму ишрат, мусиқа рамзи саналган.

¹⁴⁵⁷ Даҳбед – Самарқанд яқинидаги жой. Махдуми Ахзам Косонийнинг макбараси шу ерда. Унинг авлодлари ҳам шу ерда яшаганлар.

Бир йилдан сўнг Эрдонабий дарди бедаво бир касалликка йўлиқди ва замонанинг ҳозик ҳаким-табиблари даволашга тушиб, қанча уринмасинлар, натижа бермади. Ҳақ чақириғини «лаббайка» қулоғи билан эшитиб, ёлғончи саройдан мангулик уйига кўчиб ўтди. Умри муддати ўттиз олти йил, ҳукумронлик даври ўн йил бўлди. Ундан беш нафар ой юзлик қиз фарзанд қолиб, меросхўрлари ичида ўғил зурриёти йўқ эди.

Эрдонабий оламдан ўтган пайтлари Ирискулибий ибн Дўстқул баҳодир Марғинонда ва Абдурахмон баҳодир Хўжандда ҳукумат юргизиб ўтиришарди. Ҳар икки амир биргаликда Хўқандга келиб, Сулаймонбий ибн Шодибийни амирлик мансабига ўтказдилар. Бу янги амир ўта лаёқатсиз одам бўлиб, доимо пасткаш ва бўлмағур кишилар билан ўтириб-турарди, давлат ишларига эса сира ҳам ҳуши йўқ эди. **Байт:**

Фарози тахти ҳукумат нишастан осон нест,
Дар ин мақом баче эҳтиёт бояд кард.
[Ўтирмақ ҳукумат тахтада эмас осон,
Унда эҳтиёт бўлмақ ҳам шартдир, бегумон].

Давлат устунлари ва амирлар кўришса, бу одам ҳукумат юргизиш қобилиятидан маҳрум. Оз фурсатда мамлакатларни осонликча қўлдан чиқариши ҳеч гапмас. Ноилож воқеа баёнини Идрискулибийга хат орқали ёзиб юборишди. У ҳам Хўқанд амирлари ҳақ эканини англаб, ноилож отига минди ва ўзини Норбўтабийнинг тарафдори қилиб кўрсатганча, шу хизматлари туфайли унинг дилидаги эски кина-кудуратни чиқариб ташлашни ҳам умид қилиб, **мисраъ:** Талхии бодомро шакар талофи мекунад (Бодом тахирлигини шакар босиб юборади), қабилида иш тутишга киришди ва ўзининг бир нечта мубориз кишилари кийими тагидан кин-адоват қиличларини ўнгу сўл боғлатиб, Сулаймонбий ҳузурига борди. Ёнидагилар топшириққа биноан ул соддадил дунё кўрмаган бечорани қон ичувчи қиличлар зарби остида қолдириб, тилка-тилка қилиб ташладилар. Шу зайл бу ёш амирнинг руҳи жаннат ул-маъво сари парвозга киришди. Умри муддати йигирма беш йил, амирлиги уч ой бўлди. Ирискулибий ва Абдурахмон баҳодир ҳамда бошқа амирлар Сулаймонбий ишини тамомлагач, ўша кечасиёқ барчаси иттифоқ ва ҳамдам бўлиб, Норбўтабий ҳузурига ошиқдилар ва унга Фарғона мамлақати салтанати хушхабарини етказиб, тахтга ўтиришини илтимос қилдилар. Ҳар бир нарсанинг охир-оқибатини пухта ўйловчи ул доно бий давлат амирларидан мазкур сўзларни эшитгач, бу қаби хатарга тўла ишдан ўзини тийиб, деди: **(байт)**

Махўр, эй шамъ, аз ҳастии фиреби мажлисорой,
Ба як гардан намеарзад ба чандин сар буриданхо.
[Эй шамъ, ўтиришни безовчи борлиқ алдовига учма,
Нечалаб бош кесишлар бир гардан урмоққа арзимас].

Амирлар яна бир марта бошларини Норбўтабийнинг оёғи остига сурдилар ва кўп ўтинчилтижолардан сўнг ва ўртада аҳду паймон тузиш учун бир неча бор дину иймонни ўртага қўйиб қасам ичишлардан кейин Норбўтабийни хонлик қасрига олиб кетишга эришдилар. Эртаси куни барча амирлар йиғилиб, Норбўтабий валинеъматни амирлик ўриндиғи ва ҳукумат тахтига ўтказдилар. Ва Норбўтабий хонлик тахтига ўтиргач, адолат билан халқ додини сўради. Зеро, у ўта одобли ва юмшоқ табиат, андиша-ҳаёли ва тўғри сўз ҳукмдор эди. Айтишларича, айтган сўзи отилган ўқдек бўлиб, сира орқага қайтмас экан.

Бир неча вақтдан сўнг Норбўтабий билан Ирискулибий орасида қарама-қаршилик вужудга келди. Ўша пайтларда Ирискулибийнинг қариндошларидан икки нафар мирбачча, яъни амирзодалар Чуст вилоятида ўтирган бўлиб, улар ҳам Норбўтабийга қарши кўзғала бошладилар.

Норбўтабий валинеъматнинг Чуст томонга қўшин тортгани зикри

Норбўтабий бу хабарни эшитиб, Хўқанд лашкари билан Сайхун дарёсини кечиб ўтди ҳамда тезлик ва чаққонлик билан қўшинни Чуст вилоятига етказди. Икки орада шиддатли бир жанг қўпди. Анча уруш ва муҳорабалардан сўнг ғалаба насими Норбўтабий томондан эса бошлади. У бир ҳамла билан Чуст қалъасини ўз тасарруфи доирасига киритди ва икки мирбаччани шахидлик даражасига етказиб, Наманган томон юзланди. Бу хабарни эшитган Ирискулибий доно элчиларни Норбўтабий олдига жўнатиб, яраш ва сулҳ сўзини ўртага солди. Ниҳоят, ораларида келишув аломати жамол кўрсатиб, Ирискулибий укаси Имомқулибий ибн Дўстқул баҳодирнинг ифбат пардаси ичида ўтирган қизи Минг ойимни Норбўтабий валинеъматга никоҳлаб берадиган бўлди. Норбўтабий Ирискулибийнинг бу таклифини қабул қилди ва ул ифбат қутиси ичидаги гавҳарни ўз никоҳига киритди. Шундан сўнг Ирискулибий билан юз кўришиб, юрагида сақлаб юрган гина-кудуратини

дилидан бутунлай чиқариб ташлади. Кейин Хўқанд томон қайтиб кетди. Ўша кезларда Абдурахмон баҳодир Хўжандда ҳокимлик қиларди. Унинг Норбўтабий валинеъмат ҳузурида *қўшбегилик* мансабида турган бир укаси бор эди ва у хонлик амирларининг энг улуғи саналарди. Давлат ишларининг барисини ўз тизгинига олган ва Норбўтабий валинеъмат бу амир дастидан танг вазиятда қолган, аммо, ноиложликдан эҳтиёткорлик йўлини тутиб, у билан тинч-тотувлик муносабатида бўлиб келаётган эди. **Байт:**

Осойиши ду гети тафсири ин ду ҳарф аст,
Бо дўстон муруват, бо душманон мадоро.
[Икки олам тинчлиги ушбу икки гап тафсири дадир—
Дўстларга мурувват, душманлар билан келишув].

Бироқ, бу *қўшбегининг* густохлиги бора-бора ҳаддан ошди. Ниҳоят, Норбўтабий уни ўлимга буюрди. *Қўшбеги* бу хабарни эшитгач, қочиш йўлини тутди. Неча азоб ва уқубатда Хўжандга акаси олдига етиб олди ва воқеани сўзлаб берди. Воқеани укаси тилидан эшитган Абдурахмон баҳодир ўй-фикр қаърига чўмди. Бу пайтлари Чуст, Тўрақўрғон ва Наманган ҳукумати ҳам унга қарарди. Унинг шунча давлату-мулкига путур етиши сабаби шунда эдиким, Хўжанд вилоятида бир олийжаноб хожа бўлиб, унинг исмат пардаси ортида ўтирган ой юзли бир қизи бор эди. Ул пари пайкар ҳусну жамолда тенгсиз эди. Бу мастура қизнинг васфини эшитган ҳайвон табиат Абдурахмон баҳодир унга ғойибона ошиқ бўлиб, ишқининг ўқи қалбини тешиб ўтибди ва унинг васлига етишга майл билдирибди. Аммо, бу ҳайвон тийнат одам ушбу мақолдан беҳабар эди. **Байт:**

Бе тааммул по мазан бар бурёи фақри мо,
Найи бенохун хўрдаанд ин жо зи ғафлат шерҳо.
[Бизнинг фақр буйрамизга ўйламай босма қадам,
Кўп бўлган шерлар қамишларидан яраланган дам].

Гапнинг қисқаси, ниҳоят, жабру зулм билан ул ифбатпаноҳни ўз никоҳига киритди. Ул мазлуманинг ота-онаси эса бу каби таҳқирлашдан сўнг қўлини дуои бад учун кўтариб, улуғ аждодини шафеъ келтирганча юзларини осмонга қаратиб «илоҳо, барча нарсанинг аҳволини билгувчи сенсан, биз бечораларнинг фарёдимишни эшит ва ул золимнинг додини бер» дедилар. Бу хожалар хонадони аҳлининг истаклари ижобат бўлиб, ушбу ҳол юзага чиқди. **Мисраъ:** Дуои хастадилон мустажоб хоҳад шуд (Синиқ кўнгилларнинг дуолари Тангрига етгусидир) Ул биёбон деви никоҳнинг биринчи оқшомиси келин томон қўл чўзди-ю, тангри таоло қудрати ва улуғлар кароматидан шу заҳоти ҳайвон сийратли бу одамсимон маймуннинг оёқлари шал бўлиб қолди. Ўзининг бу аҳволга тушганини кўриб, ҳайрат ва кўрқув ичида *маҳрамларини* чақирди. Аммо, юришга сира мажоли йўқ эди. Ноилож, шундай қоронғу тунда қайси гўрдан ҳам бир занбил топиб келтиришди ва ул аблаҳни занбил устига ирғитиб ташлаб, Хўжанд Аркига олиб чиқдилар. Бундай кароматдан кўрқувга тушган баҳодир дарҳол қизни талоқ қилди. *қўшбеги* акасининг ана шу фалаж ҳолатда ўтирган пайти Хўқанддан қочиб келган эди.

Алқисса, Абдурахмон баҳодир шу аҳволида тахти равонга ўтирган кўйи укаси билан бирга Хўжанд кўшинини олиб, Тўрақўрғон тарафга юзланди ва кўрнамаклик йўли бўйлаб қадам босди. **Байт:**

Бо валинеъмат ар барун ойи,
Гар сипехри, ту сарнагун ойи.
[Валинеъмат билан ёқа ушлашсанг,
Осмон бўлсанг ҳам ерга қулайсан].

Норбўтабий валинеъматнинг Абдурахмон баҳодир устига юриш қилгани зикри

Норбўтабий валинеъмат бу хабарни эшитиб, кўп сонли лашкар билан дарёдан кечиб ўтди ва Дашти Ош мавзесида ул бахти қайтган олдидан тўсиб чиқди. Абдурахмон баҳодир Хўқанд кўшини келганидан хабар топгач, ноилож, кўнгилни уруш сари қўйди ва ўз кўшинини жангга ташлади. Икки кўшин бир-бири устига ташланиб, уруш ва муҳорабалар ишини авж олдирдилар. **Маснавий:**

Зи гарди сутурони хайли сипоҳ,
Ба рухсор зад парда хуршеду моҳ.
Зи сумми сутурони сарсар шитоб,
Фитода ба нофи замин печу тоб.
Бар омад чу аз кавси руйин хурўш,

Ялонро зад аз устухон мағз жўш.
[Кўшин отлари туёгининг чангидан,
Ой, қуёш юзларига тортилди парда.
Елдек учар отлар дупури зарбидан
Эшилиб-тобланди ер киндиги зумда.
Қўрғошин довуллар товуши ўрмалади,
Қаҳрамонлар суягин илигин қоқди].

Ўша пайтда душман лашкари йўналиш жиловини юриш майдонидан орқага буриб, қочиш сари юзланди. Ҳа, ахир енгил хас-хашак қандай қилиб тошқин сел устида лапангламай тура олсин, кабутар қандай қилиб лочину бургут панжасига дош бера олсин. Ниҳоят, Абдурахмон баҳодир ишининг чаппасига кетганини англаб, тахти равондан пастга тушди ва курол-аслаҳасини белига тақди ҳамда отга миниб, тез юрар самандини йўрттирмоқчи бўлди. Бироқ, икки оёғи фалаж касали сабабли батамом ишдан қолган бўлиб, от узангисини ушлаб тура олмай, умбалок ошганча тубанлик тупроғи узра юз тубан қулади. Ўз амирини бу аҳволда кўрган кўшиндагилар ҳеч тўхтовсиз қочиш йўли сари юзландилар. Хўқанд лашкари ҳам Абдурахмон баҳодирнинг бу янглиғ аянчли аҳволини кўргач, улардан бири отидан тушиб келиб, бул баҳодирнинг бошини шарта танасидан жудо қилди ва қону тупроққа беланган бошни нарига ирғитиб юборди. **Байт:**

Ҳар ки пўшад дидаи ихлос аз ҳаққи намак,
Чашми умедаш зи мили ёс нобино шавад.
[Кимки туз ҳақидан ихлос кўзини юмса,
Умид кўзи тушкунлик тиғидан кўр бўлади].

Норбўтабий валинеъмат бу улкан ғалабани ғайбий иноятлар жумласидан санаб, феруз фатх билан Хўқандга сари юзланди ва дарёдан кечиб ўтиб, ўз қароргоҳига етиб келди.

Алғараз, Норбўтабий валинеъматнинг она бошқа яна икки укаси бор эди. Биттаси Шаҳрухбий ва яна бири Ҳожибий. Тўрақўрғон ҳукуматини Шаҳрухбийга топширди, Хўжандни бошқаришни Ҳожибийга берди. Шундан анча вақт ўтди ва бу даврга келиб, Ўратепада Фозилбий ва Худоёрбий валинеъмат ўтиришарди. Бир куни Худоёрбий валинеъматнинг бошига бир ҳарбий ҳийла фикри келиб, катта кўшин билан Хўжанд сари юзланди. Хўжандга яқин келгач, лашкаридан бир тўпига Хўжанд қалъасига ҳужум қилиб, сўнг ўнг томон йўли билан Ўратепага қайтиб кетишни буюрди. Ўзи эса кўшиннинг асосий қисми билан тоғ ёнида пистирма йўсини билан жойлашди. Қалъага ҳужум хабарини эшитган Ҳожибий дарҳол ўз лашкари билан шаҳардан ташқари чиқиб, ҳамлачи гуруҳни таъқиб қилишга тушди. Худоёрбийнинг ўйлаб топган тадбири шунда эдики, бу воқеадан илгари Муҳаммадамин хожа Хўқандий Бухорога элчилик йўсини билан борган ва унинг қайтиш маҳали Худоёрбий макру ҳийла ишлатиб, хожа олдида ўзини ожиз, тушкунлик ва кўрқув гирдобидида қилиб кўрсатган эди. Унинг мақсади шу йўл билан Ҳожибийни ғафлатда қолдириб, давлат ишларига лоқайд ва бепарво бўлишга ундаш, аниқроғи, фикрини ҳарбий эҳтиёткорлик учун зарур масаладан чалғитиш эди. Ҳақиқатдан ҳам у Худоёрбий ҳужум қилган ушбу пайтда бу каби ожиз душман ҳамласини қайтаришни осон бир иш ўйлаб, ўта эҳтиётсизлик билан Хўжанд кўрғонидан ташқари чиқишгача бориб етди ва Хўжандни Худоёрбийнинг мазкур ҳийласи сабабли қўлдан чиқарди. Чунки, Ҳожибий бундай доннинг тузоқ учун ташланганидан беҳабар қолганди. Ахир бу хикматни бекорга айтишмаган. **Байт:**

Ба шамшере тавон жоне гирифтан,
Ба фикре шояд иқлиме кушудан.
[Қилич билан фақат бир жон олинур,
Ҳийла билан жумлаи жаҳон олинур].

Бу воқеанинг тафсили шуки, Ҳожибекнинг лашкари ҳамлачилар кетидан қувлаб Худоёрбий лашкари ёнигача яқинлашиб келди. Худоёрбий валинеъмат душман кайфиятини бундай бепарво ҳолда кўргач, тадбири тақдирга мувофиқ тушганини сизди ва бирданига ётган пистирмасидан кўтарилиб чиқиб, душмани устига ташланди. Ҳожибий буни кўрди-ю, фалак унга қандай қисмат ҳозирлаб қўйганини англади ва ноилож қочишни ихтиёр этди. Юзлар кўшини улар кетидан тушиб, Хўжандлик аскарлар изича шаҳарга киришди ва улардан кўпини асир олиб, анчасини қатлга етказдилар. Мавлоно Ҳозиқ айтмиш, **байт:**

Эмин мабош аз ситами хасми нотавон,
Фарзин кунад тариқи адоват пиёдаро.
[Душманни ожиз ўйлаб эҳтиётсизлик эта кўрма,
От пиёданнинг адоват йўлин қўллаган бўлмасин].

Ҳожибий бу вазиятни мушоҳада қилгач, неча алам ва ҳасрат билан юрту молдан қўлини ювиб, Хўқанд сари юзланди. Худоёрбий валинеъмат эса Хўжанд мамлакати келинчагини ана шундай тадбир воситасида ўз тасарруфи остига киритди. **Байт:**

Ҳама рўйу ранг асту макру фиреб,
На сидку мурувват ва на сабру шикеб.
[Барчаси товланувчи юз макру алдов ила,
На садоқат бор, на мурувват, на сабру тоқат сира].

Норбўтабий валинеъматнинг Хўжанд вилоятини фатҳ этгани зикри

Бир неча вақт шу зайл ўтгач, Норбўтабий валинеъмат Фарғона лашкари билан жуда тез суръатларда Хўжанд сари юзланиб, тонг ёришмасдан кўзлаган манзилига етиб келди ва бир ҳамладаёқ шаҳар қалъаси ичига кириб олди. Хўқанд кўшини аскарларининг «тут, ушла», «қўйиб юборма» деган товушлари авжига чиққач, Худоёрбий валинеъмат ғафлат уйқусидан бош кўтариб, эгри айланувчи фалакнинг қандай ўйин кўрсатганини англади ва ўтга ташланган исирик каби сачраб ўрнидан турди-да, душман сари юзланди. Шаҳар сари отилиб чиқиб, мардлик намунасини кўрсатганча қиёмат қойим бир уруш қилди. Айтишларича, ўша куни шаҳар дарвозасидан дарё қирғоғига етти кишини чопқилаб ўлдирган. Аммо, қараса, бу билан иш битмайди. Ноилож ўзини оти ва эғнидаги қурол-аслаҳаси билан дарёга ташлади. Дарёдан озгина сузиб ўтгач, от тизгини қўлидан чиқиб, отсиз қолди. Бахтига, ўша етишган ери дарёнинг суви тизза бўйи келувчи бир жойи эди, аммо, барибир, қурол ва темир совутини ечиб ташлаб, сузиб кетишга мажбур бўлди ва шу кўйи дарё қирғоғига чиқиб олди. Шу алфозда бораркан, хўқандлик сарбозлардан бирига дуч келиб, бу сарбоз уни дарров таниди, лекин, валинеъматга тегмади. **Мисраъ:** Кужо рави ки зи ҳар сў гурезгоҳ надори (Ахир бирон ердан қочишга жой бўлмагач, қаерга ҳам борасан]. Сарбоз унга қараб, «Сизни танидим, аммо, яхшилик қилгим бор, шарти шуки, бу мурувватимни унутмагайсиз», деди. Хуллас, валинеъмат шундан сўнг пиёда ҳаллослаб югуриб бораркан, унинг мазкур воқеадан зўрға қутулиб қочган бир ўрис қули ҳам шу кўйи қочиб, хожайини орқасидан етиб келди. Қараса, олдинда кетаётган бу киши хожаси ва валинеъматнинг оёқлари роса қаварган, шунда у, «эй, хожам, елкамга миниб олинг, опичиб кетаман», деди. Валинеъмат шундай қилди. Аммо, Худоёрбий жуда семиз бўлиб, қул бир неча қадам юргач, хожасини кўтара олмай, гандираклаганча йиқилиб тушди. Иттифоқо, шу ерда валинеъматга қарашли ҳудуд аҳолисидан биттаси эшакка қамиш ортиб кетаётган бўлиб, валинеъматни мазкур аҳволда кўргач, йиғлаб юборди ва эшакнинг юкини ерга ағдариб ташлаб «манави эшакка ўтириб олинг», деди. Эшак ҳам аксига олиб ўта ориқ ва заиф экан. Лекин, ҳар ҳолда шуни ҳам ғанимат билиб, гоҳ эшакка, гоҳ ғуломи елкасига осилиб ва гоҳида эса пиёда юрганча йўл босиб кетаверди. Шу орада, валинеъмат кўшинидан ҳалиги урушда қочиб қутулган яна уч-тўрт сарбоз ҳам улар кетидан етиб келиб, бирга йўлдош бўлишди. Тағин дарёдан кечиб ўтдилар ва Ўратепа сари юзландилар. Ҳеч қанча ҳам йўл юрмай олдларидан бир қочоқ киши чиқиб қолди ва валинеъмат ундан нима гаплигини сўради. Қочиб келаётган ҳалиги одам «хўқандликлар Ўратепани ҳам босиб олишди», деди. Бу даҳшатли воқеа хабарини эшитган Худоёрбий валинеъматнинг бошидан олов чиқиб, ҳуши учди ва бир неча дарду ҳасрат билан йўналиш жиловини Жиззах томонга бурди. Шу келишларида валинеъмат уч кундан бери туз татимаган ва шу сабабли табиатини бутунлай очлик оташи қамраган, танида заифлик кучайиб, юришга сира мажоли қолмаган эди. Иттифоқо, тун яримдан оққан маҳал йўллари Хавос қалъаси ёнидан тушиб, валинеъмат одамларидан биттасига бирор егулик топиб келтиришни буюрди. Унинг ҳам шу ярим кечада қаерга борарканман, дея боши қотиб қолди. Бахтига ўша яқин орада бир уй бўлиб, ўша уйга кирди ва болохонага чиқиб, сутга лиммо-лим тўла учта тоғорани кўрди. Бориб, бу хушxabарни валинеъматга етказди. Валинеъмат ўрнидан сапчиб турди ва болохонага чиқди. Учта тоғорадаги сутни ҳам уч нафасда паққос шимирди. Сўнг болохонадан пастга тушиб, шу ерда йўл азобидан етишган чарчоқни ёзмоқчи бўлди. Шунда Хавос қалъасига ҳам хўқандликлар кириб олиб, аллақачон кўрғонни эгаллашганидан хабар топишди. Юракларига ваҳима тушганча «ло ҳавла» калимасини қайтариб, неча кўркув ва ҳадик ичра Жиззах томон шошилдилар. Чексиз дашту биёбон ерлардан сувсизликдан танглайи қақраб ва очликдан ошқозони таталаб, ланж тан ва яланғоч бадан билан аянчли бир аҳволда йўллар босиб, уч кеча-кундуздан сўнг Жиззахга яқинлашдилар. Шундан кейин валинеъмат бошқа юра олмай қолди.

Байт:

Ҳар кас ба қадри хеш гирифтори меҳнат аст,

Касро надодаанд бароти мусаллами.
[Ҳар инсон ўз тақдирига кўра азобга мубталодир,
Ҳеч кимга бир умр роҳатда юриш тилхати берилмаган].

Бу пайтда Фозилбий валинеъмат азиз фарзандининг аҳволи нима кечаётганидан мутлақо беҳабар эди. Шунда Худоёрбий валинеъматнинг ёнидаги йўлдошларидан биттаси жуда тезликда Фозилбий валинеъмат хузурига борди ва азиз ўғлининг соғ-саломат етиб келгани хушхабарини маълум қилди. Фозилбий бу қувончли хабарни эшитгач, ушбу байтни кўнглидан ўтказди. **Байт:**

Навиди омаданат медиҳанд ҳар рўзам,
Ту фориғу ман аз иштиёқ месўзам.
[Ҳар кун беришар келишингдан хабар,
Сен билмассан, соғинчдан дилим ёнар].

Дарҳол фарзандлари ва давлати аъёнларига ўғли ёнига боришни буюрди. Улар валинеъмат олдига пешвоз чиқиб, тўла иззат-икром билан отаси ёнига олиб келдилар. Отанинг кўзи болага тушган ҳамано хушидан кетди. Бироздан сўнг ўзига келиб, бир-бирларини бағрига босдилар ва абри баҳордек зор-зор йиғлаб, Аллоҳи таолога шукроналар айтдилар. Худоёрбий валинеъмат бир неча кун йўл азобларидан қутулиб, ҳордиқ чиқаргач, бузруквор отасидан рухсат олди ва Самарқанд сари юзланди. Бу пайтлари Самарқанд вилояти ниҳоятда хароб аҳволга тушган ва у ерда бойўғли-ю, бойқушдан ўзга жонзот йўқ эди. Худоёрбий валинеъмат Самарқанд яқинидаги Ясситепа мавзесида ватан тутиб, уч йил деҳқончилик билан машғул бўлди. **Байт:**

Кимиё хоҳи зироат кун, чи хуш гуфт он, ки гуфт:
Заръро сулусон зар аст ва сулси дигар ҳам зар аст.
[Бойлик истасанг зироат қилким, ушбуни айтган ҳақдир:
Деҳқончиликнинг учдан иккиси олтин, қолган биттаси ҳам олтин].

Худоёрбий валинеъматнинг Ўратепа вилоятини эгаллагани зикри

Бир неча вақт шу зайл ўтгач, Худоёрбий бошига яна ҳукумат юргизиш ҳаваси келди. Ахир бекорга «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», дейишмаган-ку! Шу ният билан Шаҳрисабзга борди ва унинг келганидан хабар топган Бекназарбий валинеъмат истиқболига пешвоз чиқиб, яхши бир уйга жойлаштирди. Меҳмондорчилик ва зиёфатлар барпо қилди. Бир неча кундан сўнг Худоёрбий валинеъмат Бекназарбийдан мадад тилади ва у катта ўғли Ниёзали *девонбегини* беш юз нафар довюрак аскар билан Худоёрбийга қўшиб юборди. Биргалашиб Ургутга келдилар. Йўлдошбий ҳам ўзининг бир нечта жангчилари билан Худоёрбий сафига қўшилди. Теварак-атрофдан ҳам кўнгиллилар йиғилиб, катта қўшин билан Жиззах томонга қараб кетдилар. Бир неча йўл босиб, Жиззах вилоятига етдилар. Қўшинни ташқарида қўйиб, Худоёрбий ёнидаги Ниёзалибий, Йўлдошбий билан бирга Фозилбий валинеъмат олдига кириб, воқеани баён этдилар. У ҳам Жиззах лашкарини ихтиёрларига топшириб, фотиҳа берди ва ул амир паноҳлар Фозилбий валинеъматдан кетишга рухсат олиб, Ўратепа сари юзландилар. **Мисраъ:** Равон гаштанд мирони вафокеш (Вафо хислатли амирлар йўлга тушишди); Ўша кечаси илғор солиб, Зомин тоғи¹⁴⁵⁸ этагида пистирма ясадилар ва қўшиннинг бир туғига эса бориб, Ўратепа яқинидаги ерларни босқин-чопқин қилиш ва сўнг тўғри йўлдан Жиззах томон чекиниш борасида буйруқ бердилар. Қўшиннинг бу бўлагидаги аскарлар худди шундай қилишди. Ўратепа атрофининг босқинга учрагани хабари Ирискулибий кулоғига етишгач, душманни писандига илмасдан дарҳол отига минди ва ушбу байтни айтди. **Байт:**

Муддаиро кай расад ба чун мане лофи жидол,
Кай тавонад пашша бо пили дамон паҳлў занад.
[Душман мен каби бир одам билан қандай уруша оларкан,
Қачон пашшанинг кучи қутурган филга тенг келган экан].

Ирискулибий босқинчи гуруҳ кетидан қувлаб, душман пистирма қўйиб ўтирган жойга келиб қолди. Шунда пистирмада пайт пойлаб ўтирганлар ўз одамларини ўтказиб юбориб, қувлаб келаётганлар олдини тўсиб чиқишди ва тўппа-тўғри Ирискулибий томон от солишди. Ирискулибийнинг кўзи Худоёрбий лашкарига тушиб, ҳайрат бармоғини тишлади ва ўй-фикр денгизига шўнғиди. Чунки, шу чоғда фалак ўзи қилган ўйинни қайтариб яна ўзининг бошига солганини мушоҳада қилиб турганди. Ноилож бирор фурсат қаттиқ жанг ясади ва оздан сўнг қаршилик кўрсатишга мажоли етмай, юзини қочиш водийси сари қаратди. **Байт:**

¹⁴⁵⁸ Зомин тоғи – Туркистон тоғ тизмаларидаги Зарафшон тоғларининг шимолий қисми.

Кораш ба жадал чу бар наояд,
Хуши хуш дари хийла бар кушояд.
[Иши жангу жадал билан битмаса,
Хийла ишлатишни иш учун танлайди].

Шу қочганча ёнидагилар билан бирга Истравшанга қарашли Наманган қалъасига кириб, уч ойча қалъани беркитиб ўтирди. Бироқ, сувсизлик азобидан қийин аҳволга тушиб, ниҳоят, қалъа Худоёрбий валинеъмат томонидан эгалланди. Қалъани ҳимоя қилиш пайтида Ирискулибийга ўқ тегиб, уч кундан сўнг шу яра сабабли ҳалок бўлди. Бу воқеалар рўй бергач, Ўратепа ва Хўжанд ҳам фатҳ этилди. Валинеъмат мамлакат амирлиги ўриндиғига ўтириб, эмин-эркинлик билан ҳукумат юргизди. Ўша пайтда Норбўтабийнинг укаси Шаҳрухбий хотирасизлик касалига мубтало бўлиб, бир неча кундан сўнг фоний дунё билан видолашиб, охират сари юзланди. Айтмишлар, **байт**:

Ба зўру зар нашоюд радди аҳкоми қазо кардан,
Намезебад касеро дар қазо чуну чаро кардан.
[Такдир ҳукмини олтин, пул билан қайтариб бўлмайди,
Ундай-бундай деган гаплар бу ҳукм ишига ўтмайди].

Унинг ўрнига Тўрақўрғон ҳукуматини кичик укаси Ҳожибийга берди. Ҳожибий амирлик ўриндиғига ўтиргач, анча вақт ўтиб, валинеъматга қарши тескаричилик ишини бошлаб юборди.

Норбўтабий валинеъматнинг Тўрақўрғон тарафга юриш қилгани ва ул мамлакатни босиб олгани зикри

Бу каби тескаричилик ҳақидаги хабарлар валинеъмат қулоғига етишгач, дарҳол катта кўшин билан Тўрақўрғон тарафга қараб юрди. Икки манзилдан сўнг дарёдан кечиб ўтиб, кўзланган жойга етишди ва Тўрақўрғонни узук қоши каби ўртага олганча қамалга машғул бўлди. Ҳожибий қамалга дош бера олмай, ноилож Тўрақўрғонни ташлаб чиқди ва ўзининг бир нечта *махрам* кишилари билан қочмоқ сари тутиниб, Косон йўлидан Тошканд томонга юзланди. Валинеъмат вилоятни қўлга киритиб, Хўқанд тарафга қайтиб кетди. Хўқандга етишгач, йўл қийинчилиги азобларидан кутулиб, хордиқ чиқарди. Шоир мулло Фазлий¹⁴⁵⁹ бу ҳақда ушбу **маснавий** орқали демиш:

Яке хасми ў Ҳожибеки дажам,
Ки мекард туғён ба ў дам ба дам.
Чунонаш фиканд аз фалак бар замин,
Ки халқи жаҳон гуфт сад офарин.
Аз ин важҳ шуд соҳиби обрў,
Ки гардид аъдош мағлуби ў.
Зи неруи иқболи он шаҳриёр,
Бигардид обод шаҳру диёр.
[Битта душмани Ҳожибек золим эди,
Унга қарши тез-тез исён қилиб юрди.
Осмондан уни ерга қулатди чунон,
Юз офарин айтди халқи жаҳон.
Шу сабабли обрў эгаси бўлди,
Душмани эса унга енгилди.
Иқболи кучин кўрсатиб ул шаҳриёр,
Обод бўлди шаҳару ўлка ва диёр].

Алғараз, бу пайтда саййидлик паноҳи Хонхожа ва жаноб Ҳаким тўранинг Даҳбедадаги эшон Мусохонхожа ҳузурида умргузаронлик қилиб юрган кезлари бўлиб, Ирискулибекнинг вафоти хабари Хонхожа қулоғига етишгач, тўхтовсиз равишда Хўқанд сари юзланди ва Норбўтабий валинеъмат ҳузурига етишди. Валинеъмат Наманган ва Тўрақўрғон мамлакатини Хонхожага берди. Ўша пайтлари Ҳаким тўра эшоннинг қиблагоҳи бўлмиш саййидлик паноҳи жаноби эшон Ортуқхожа – Аллоҳ *руҳини муқаддас тутсин* – ўткинчи дунёдан мангулик уйига кўчиб ўтди. Эшон Ҳаким тўра ҳам ҳидоят паноҳ жаноби эшон Мусохонхожадан рухсат тилаб, ҳали отаси ҳаёт пайтлари қиблагоҳи саййидлик паноҳи эшон Ортуқхожа ҳузурига кетган ва бир неча вақт қиблагоҳи хизматида турганди. Бир неча кундан сўнг жаноб қиблагоҳдан рухсат олиб, Хўқанд сари юзланди. Норбўтабий валинеъмат эшоннинг келганидан воқиф бўлгач, ўз амирлари билан ул жаноб истиқболига пешвоз

¹⁴⁵⁹ Умархон саройидаги малик уш-шуаро Фазлий Намангоний кўзда тутилмоқда.

чикди ва алар қадамани муборак билиб, меҳрибончиликлар кўрғазишга киришди. Бу пайтда ифбатлик паноҳи бўлмиш оналари Кенагас ойим дунёни тарк этган эди. Саййидлик паноҳи Хонхожанинг исмат ва ҳаё пардаси ортида ўтирган бир қизи бўлиб, саййидлик паноҳи Ҳаким тўра ул мастурани ўз никоҳига киритди. Шундай бир тўй қилишдики, ул асрда бундай ҳашаматли тўйни кўз кўриб, кулоқ эшитмаган эди. **Байт:**

Бо чанд ҳазор дида фалак дар ҳазорон қарн,
Мажлисе бад-он такаллуф ва хуби надида буд.
[Минг йилдан бери минг кўзли фалак,
Бундай катта тўйни кўрмаган бешак].

Ул икки соҳиби давлатдан вақти-соати етишиб, бир ажойиб ўғил дунёга келди. Бул жаноб номини Маъсумхон қўйдилар.

Қисқаси шуки, ул вақтларда чингизий хонлардан саналмиш Баҳодир Фармон Тошканд вилоятида ҳукм юргизарди. У дорулфанодан дорулбақога рихлат қилгач, Тошканд вилояти ҳукумати хожалар қўлига ўтди ва улардан ҳар бири ўз билганича амирлик ноқорасини чалдилар. Анча урушлардан сўнг ул вилоят бошқаруви Хонхожа ёрдами билан саййидлик паноҳи Юнусхожанинг қудрати ихтиёрига кирди ва ул саййидлик паноҳи Дашти Қипчоқ¹⁴⁶⁰ни тўлалигича эгаллаб олиб, ҳукумат ишлари билан машғул бўлди.

Қисқаси, Ҳожибий ўша Тўрақўрғондан қочган маҳал не азоб ва уқубатлар билан Тошканд вилоятига келиб кирди. Унинг келганидан хабар топган Юнусхожа олдида чиқиб, яхши кутиб олди ва муносиб бир уйга туширди. Ҳожибий бироз вақт йўл ҳордиқларини чиқаргач, у ердан Ўратепага келди ва Худоёрбий валинеъмат ҳам унга эҳтиромлар кўргузди. Сўнг иккови биргалашиб, Хўқанд томонга қўшин тортиб бордилар. Бир неча масофани босиб ўтгач, Конибодом мавзесига кириб келишди ва улар қўшинидаги гуруҳлар Бешариқ мавзесигача босқин-чопқин қилиб қайтишди. Бироқ, Худоёрбийнинг юраги шундан нари ўтиб, илгари юришга дов бермай, орқага қайтиш пайдан бўлди. Ҳожибий ўша ердан Бухорога Шохмуродбий валинеъмат олдида кетди. Шохмуродбий унга анча меҳрибончиликлар кўргузди ва бир неча кундан сўнг у ердан кетишга рухсат олиб, Фалғар¹⁴⁶¹ ва Масчой, Қоратегин йўли орқали Андижон сари юзланди. Кўп меҳнат ва заҳматлар чекиб, кўзлаган ерига етишди ва ул вилоятни ўз тасарруфи остига киргизиб, ҳукумат юргизишга машғул бўлди.

Норбўтабий валинеъматнинг Андижон вилоятини эгаллагани зикри

Норбўтабий валинеъмат бу хабарни эшитгач, кўп сонли қўшин билан Андижон тарафга юриш бошлади. Анча манзилларни орқада қолдиргач, Андижонга етишди ва ул шаҳар қалъасини паргорнинг доира чизиғи каби қуршов ичига олиб, қамал ишига киришди. Ва икки орада кўз кўриб, кулоқ эшитмаган уруш рўй берди. Анча уруш ва жанглардан сўнг ғалаба шамоли Норбўтабий байроғи сари эсиб, бир ҳамла билан хўқандликлар қўшини шаҳар ичига кириб олди. Ҳожибийни асир тушириб, Норбўтабий ҳузурига келтиришди. Ахир айтмишлар:

Чун тири қазо зи шасти тақдир баржаст,
Ҳаргиз накунад рад сипари тадбираш.
[Тақдир ўқин учирса агар камон,
Тақдир қалқони ушлаб қола олмас уни ҳеч қачон].

Аммо, Норбўтабий валинеъмат укасининг гуноҳидан кечди ва Андижон вилоятини тамомила ўз қўлига олиб, у ер ҳукуматини Малла *девоубеги* қўлига топширди. Ўзи эса фатҳу ғалаба билан Хўқандга қайтди. Ўз манзилгоҳига етгач, айшу ишрат ва кайфу сафо билан машғул бўлди. Ўша кезлари Норбўтабий валинеъмат ва Худоёрбий валинеъмат бир-бирлари билан юз кўришиб, янгидан аҳду паймон тузишни истаган пайтлар бўлиб, ўртада сўзга чечан элчилар алмашилгач, бу қарорга ҳам келинди.

Норбўтабий валинеъмат ва Худоёрбий валинеъматнинг бир-бирларини кўрмоқ умидида келгани, аммо, ноумид бўлиб қайтганлари зикри

¹⁴⁶⁰ Дашти Қипчоқ – тарихий-жуғрофий ҳудуд сифатида Марказий ва жанубий Қазоқистоннинг ерлари.

¹⁴⁶¹ Фалғар – юқори Зарафшон водийсида жойлашган беклик. Маркази Урметан бўлган.

Алқисса, ҳар икки соҳиби давлат кўп сонли лашкар билан бир-бирини кўрмоқ сари юзландилар. Бир қанча масофани босиб ўтгач, Норбўтабий валинеъмат Қарақчи кум¹⁴⁶² манзилида кўш ташлади, Худоёрбий валинеъмат эса Шумкўрғон¹⁴⁶³ мавзесига кириб келди. Уч кунгача ана шу маконда манзилу маскан тутиб, тўртинчи куниси ҳар икки соҳиби давлат бир-бирини кўриб, ўзларини ака-укалик бағирларига босиш ва бир неча йиллик ғаму-ташвиш, шоду-қувончларидан сўзлашишни ишташди. Аммо, алдоқчи фалак яна ўйин кўрғазиб, уларнинг ўз муродларига етишини хоҳламади. Бўлиб ўтган бу ҳодиса ушбу мақолга тўғри келган эди, **байт:**

Фариштае ки вакил аст бар хазонаи бод,
Чи ғам хўрад ки набинад ду ёр як дигаре.
[Шамол хазинасига бўлса фаришта вакил,
Не ғами бор кўриша олмаса икки дўст, бил].

Яъни, гапнинг пўсткаллеси шуким, ўша куниси шундай бир шамол кўзгалдики, Од пайғамбарнинг тўфони унинг олдида худди тонгда эсувчи насим ели каби майин бўлиб қолди. Одамлар кўзига ҳовуч-ҳовуч тупроқ келиб урар, ҳеч кимса биров-бировини кўра олмас эдилар. Бир-бирлари дийдорига ошиққан иккала валинеъмат ҳам кутилмаган бу офат сабабли ўз лашкаргоҳига қайтиб келишга мажбур бўлишди. Аҳвол уч кунгача шу зайлда кечди. Қўшиндагилар эса бу ногаҳоний балодан кўрқувга туша бошладилар. Ул икки соҳиби давлат неча бир ҳасратлар билан бир-бирини кўра олмай, ўз давлатхоналари томон қайтиб кетдилар. Ўз қароргоҳларига етишгач, ўйин-кулгу ва ўтиришу-зиёфат билан машғул бўлдилар. Бу кезлар амир Умархоннинг йўқлик қаъридан борлиқ майдонига энган вақтлари бўлиб, Норбўтабий валинеъмат сари умид тонги мурод балқишидан табассум ва шодлик булбули қувонч гулшанида тараннум қила киришди. **Байт:**

Аз муҳити фазл зебо гуҳаре омад паид,
Бар сипехри шаръ равшан ахтаре омад паид.
[Фазл денгизидан гўзал бир гавҳар қўлга кирди,
Шаръий осмондан чароғон бир юлдуз кўринди].

Амир Умархоннинг туғилиш таъриhini Акмал Хўқандий яхши айтган ва ҳақиқатдан ҳам оғзидан гавҳар сочган ва бу таърих ушбудир. **Таърих:**

Сад шукр бо шаҳаншаҳи дорои ҳақи сулук,
Додаш худо ягона валиаҳди Жам сукук.
Султони ақл аз пайи воло валодаташ,
Гуфто ки «шоҳзодаи Умар зубдаи мулук».
[Юз шукр, ҳақ йўлининг эгаси шоҳаншоҳга,
Худо Жамшид¹⁴⁶⁴ мартабали ёлғиз валиаҳд берди.
Ақл султони бу улуғ туғилиш санасин излаб,
«Шоҳзода Умар маликлар қаймоғидир» дерди].

Шу тариқа бир неча йил ўтгач, Мовароуннаҳр ўлкалари аро Худоёрбий валинеъматнинг вафоти хабари ёйилиб, бу воқеа Шоҳмуродбий валинеъмат қулоғига ҳам етишгач, дарҳол Ўратепа сари юзланди. Бир қанча масофани босиб ўтиб, ул вилоятга яқинлашди. Шоҳмуродбийнинг келгани хабари Худоёрбий валинеъматнинг укаси ва у ўлгач амирлик ўриндигига ўтирган Бобо *девонбегига* маълум бўлиб, қаттиқ кўрқувга тушди. Ноилож, давлатнинг барча обрў ва шавкати Норбўтабий валинеъматнинг бурчи зиммасига юклади. Норбўтабий валинеъмат унинг сўзларини Хўжандни бўшатиб, ўзига топшириш шарти билан қабул қилди. Бобо *девонбегига* ҳам шунга рози бўлди ва Хўжандни Норбўтабий валинеъматга топширди.

Норбўтабий валинеъматнинг Шоҳмуродбий валинеъмат билан ярашгани зикри

Ва Норбўтабий Хўжандга келиб, бу фақирингиз бобоси саййидлик паноҳи эшон Ҳаким тўрани элчилик йўсини билан Шоҳмуродбий олдига жўнатиб, унинг Бухорога қайтиб кетишини сўради. Жаноб саййидлик паноҳи Шоҳмуродбий ҳузурига етишгач, Шоҳмуродбий ул ҳазратнинг қадамларига ҳасанот айтди, иззат-ҳурмат кўрсатди ва аларнинг сўзларини қабул тутиб, яраш

¹⁴⁶² Қарақчикум – Хўжанд-Қўқон йўлида жойлашган манзил.

¹⁴⁶³ Шумкўрғон/Чимкўрғон – Хўжанд-Қўқон йўлида жойлашган кишлоқ.

¹⁴⁶⁴ Муштарий (Буржис, Юпитер) еттита (Ой, Уторуд, Зухра, Қуёш, Миррих, Муштарий, Зухал) сайёрадан бирининг номи бўлиб, юнон мунажжимлари акидасича, у бахт рамзи ҳам саналади. Ҳар бир сайёра эса битта осмон табақаси ва ер юзи иқлимларидан бирига нисбат берилиб, улар шу ўлкалар ҳомийси сифатида талқин этилган.

таклифига кўнди ва Бухорога қайтиб кетди. Норбўтабий валинеъмат эса Хўжанд ҳукуматини эшон Хонхожага топшириб, ўзи Хўқанд томонга қайтиб кетди. Бир неча манзил йўл юргач, ўз давлатхонасига кириб борди. Ўшанда Марғинон ҳукуматини катта ўғли Муҳаммадаминхонга берди ва Тўрақўрғон ҳокимлигини яна бир ўғли Амир Олимхонга топширди. Муҳаммадаминхон ҳам ички сийрат билан безанган, ҳам чиройли сурат билан зийнат топган мурувватли ва хулқ-атвори ҳиммат хислати билан нақшланган бир шоҳзода бўлиб, ўз замонасида унангдек зотни ҳали кўз кўриб, кулоқ эшитмаган эди. Таълиқ ёзувини жуда яхши битарди. Мусиқа илмида тенги ва ўхшаши йўқ эди. Шижоатда эса ўз асрининг бошқа шоҳзодаларидан устун турарди.

Қишлоқ мулласининг шоҳзода Муҳаммадаминхонга ошиқ бўлгани қиссаси

Бу шоҳзоданинг мурувватлилиқ хислатига бир мисол шуким, ўша пайтда бир тожик мулло бўлиб, ўта қашшоқ ҳолда яшар, емаги дил қонидан, ичмоғи кўз ёшидан ва либоси оху зорлик тутунидан ўзга нарса эмас экан. Агар ойда бир марта нечукдир қўлига бир фулус тушиб қолгудек бўлса, шунчалиқ камбағаллигига қарамай, тарихда бойлиги билан ном қолдирган Қорунни¹⁴⁶⁵ ўзининг хизматкорларидан бири ўрнида билар экан. Хуллас, кунлардан бир куни, ҳалиги бош-оёғи яланг муллониинг йўли Муҳаммадаминхон овга қатнайдиған шикоргоҳ устидан тушиб, Муҳаммадаминхоннинг овдан қайтиш маҳали ул шоҳзодага дуч келди. Муллониинг кўзи ул шоҳзодага тушиб, ақлу ҳуши зойил бўлди. Аммо, у ҳали ой жамоллиқнинг бу мамлакат шоҳи ва эл-ўлканиинг бошидаги тожи эканини билмасди. **Мисраъ:** «Ишқ бо тожики саргаштаи ҳайрон доданд» (Ишқни эс-хушини йўқотган тожикка бердилар]. Бечораниинг дили қуши ул юксак учувчи лочин панжасига тушгач, ихтиёр жиловини қўлидан чиқарди. Девона сифат эди, баттар девона бўлди, мажнунвор ва телбароқ эди, мажнунлиги баттар ошди. **Байт:**

Эй ки дар кўчаи маъшуқаи мо мегузари,
Бохабар бош ки сар мешиканад девораш.
[Маъшуқамиз кўчасидан ўтгувчи эй одам,
Эҳтиёт бўл, деворлари бош синдиради].

Мулломиз шундан сўнг кеча-ю, кундуз ҳижрон ўтида куйиб, ишига қандай чораву тадбир топишини билмай, ночор ҳар куни ул олий мартаба шоҳзоданиинг овга ўтиш йўлига чиқиб, йўл пойлаганча шоҳзодани кутиб ўтирадиған қилиқ чиқарди. Демишлар, **байт:**

Донанд рафиқон ки раҳ дуру дароз аст,
Аз кўчаи мақсуд ба бозори таманно.
[Дўстлар билгусидир ки йўл узок эрур
Мақсуд кўчасидан то таманно бозоригача].

Анча вақт шу зайл ўтгач, бир куни Муҳаммадаминхон келишилган одатига кўра ов учун даладашт сари чиқди. Йўлда кўзи ул бахти қарога тушди ва не кўйда ўтирганини билмоқ учун ул содиқ ошиққа бирон нарса демоқчи бўлди, аммо, ҳаё бунга тўсқинлик кўрсатди. Индамасдан ўтиб кетди. Анча кун ва вақтлар ўтгач, ниҳоят, сезгир шоҳзода бу муллониинг ошиқона нигоҳларидан бечораниинг бирор сарвақдга асиру гирифторм бўлганини англади. Бир куни, «эй мулло, қаерликсан ва не машғулотиинг бор», деб сўради. Мулло эса ушбу байтни ўқиди, **байт:**

Хамушро забон додам адабро бе ибо кардам,
Ба жонон ҳар чи бодо бод арзи муддао кардам.
[Тилсизга тил бериб, одобни уятсиз қилдим,
Нима бўлса-бўлсин, жононга ниятим айтдим].

Ул пок ошиқ «Қухистон вилоятиданман. Бу диёрга ўқиш учун келганман», дея жавоб берди ва гапи асносида йиғига тушди.

– Қайси китобни ўқимоқдасан? – деб сўради хон.

– Эй шоҳи олам, (**байт:**) Аз он рўзе ки дар мактаб сабақ бунёд мекардам; Алиф мегуфтам ва сарви қадатро ёд мекардам (Мактабда алифбони ўргана бошлаганимдан бери, «Алиф» десам кўз олдимга қадди-қоматиинг келарди) – деди мулло.

Вақт шундай ўтар, ҳар кунни шу аҳвол такрор бўларди. Бир куни Муҳаммадаминхон ул бедил ошиқни ўзининг хос хилватхонасига чорлади.

¹⁴⁶⁵ Ривоятларга кўра, ўз бойлиги билан машҳур бўлган Қорун исмли киши ҳасислиқда ҳам донг таратган ва шунинг учун худо ғазаби билан унинг бор бойлигини ер ютган, бу ерда эса бойлиқнинг кўплилига ишора қилинмоқда. Қаранг: Куръони карим, 28:76.

– Эй мулло, ростини айтсанг, бир қошиқ қонингдан кечаман, кўнглингга ниманинг ҳойи-ҳаваси тушган? – сўради шоҳзода.

– Эй олам аҳли шоҳзодаси, сўраб нима қиласиз? Бир бедаво дардга мубтало бўлганман, нималигини сўраб, мени қийнаманг. Ўз ҳолимга кўйинг, – деб жавоб берди мулло.

Шунда Муҳаммадаминхон бу бедилнинг жоду кўзлардан бирига кўнгли тушганини англади ва унинг касаллигига мос тушувчи ушбу бир неча **назмни** Табиби шариф Ҳинду абётидан ўқиди:

Ханда заду гуфт: кунун дарди туро донистам,
Дарди ёр аст, ки жуз ёр надорад дармон.
Рост, оре, мараз ин аст ки кардам ташхис,
Чун мараз ёфта шуд ҳаст иложаш осон.
Дар сарат карда ҳаво андаке аввал таъсир,
Баъд аз он гашта ҳаво оташ, афтода ба жон.
Ғами ёр аст ки оташ зада дар ҳастии ту,
То намонда аст ба ту ғайр зи ғам ному нишон.
Боре он ёр кунун кист, бигў бо ман рост,
Гуфтам: он жо ки аён аст чи ҳожат ба баён аст.
Шуд басте тунд ва ғазабнок сар афканд ба пеш,
Соате буд гирифта лаби худ дар дандон.
Баъд аз он гуфт ки: эй, ҳеч кас бе озарм,
Ту ки боши ки кушойи ба чунин ҳарза забон.
Жой дорад ки ба подоши чунин густохи,
Кунам аз ханжари бедод туро қатъ забон.
Гуфт: эй шоҳ, нагуфти ки, бигў бо ман рост,
Пеши ту чун ба хиёнат кунам олуда даҳон.
Зери лаб ханда заду гуфт: ажаб айёри,
Гашта шоҳони жаҳон сайди ту, эй чарб забон.
Гуфт: дар пеши забони ту нашояд дам зад,
Мо шунидем ки ушшоқ надоранд забон.
Гуфт: оре, агар аҳвол напурсад маъшук,
Ёр чун толиби ҳарф аст хамуши натавон.
Пеши маъшуқи сухандон натвон буд хамўш,
Пеши гул булбули бедил накунад забти фиғон.
[Кулди-ю, деди: энди билдим сенинг дардингни,
Ёр дарди зарур ул, бас, ёрдан бўлак дармони йўқ.
Ҳа, касалинг шу экан, ташхисини қилдим мен,
Касаллик топилди, энди иложидан осони йўқ.
Бошингга аввал таъсир этмиш хаёлотлар ҳавоси,
Шу ҳой-ҳавасдан сўнг жонга тушмиш ўт балоси.
Ёр ғами борлиғингга қаламиш бу ишқ оташин,
Шу сабаб сенда қолмаган ғамдан ўзга ном-нишон.
Энди ростин айт менга, кимдир ул жонон,
Чунки мана кўриниб турибди барчаси аён.
Тиришди бироз, сўнг ғазабда бошин қуйи солди,
Бир соат лабин тиши билан тишлаб олди.
Шундан сўнг деди: эй қаршимдаги арзимас инсон,
Сен ким бўлибсан ки, бўлмағур гапга очасан даҳон.
Бундай густохлигинг жазоси учун арзир агар,
Бедодлик ханжари ила тилсам тилинг тилим-тилим.
Деди: эй шоҳ ҳали айтмадинг-ку ростини, айт ахир,
Олдингда хиёнат билан булғамай оғзимни бир-бир.
Табассум қилди-ю, деди: бунчалар айёрсан-а,
Жаҳон шоҳлари шу сабаб сенга ов, эй тили ёғлик.
Деди: сенинг тилинг олдида сўзга оғиз очиб бўлмас,
Эшитишимизча, ошиқларнинг тили бўлмас.
Деди: ҳа, агар маъшуқа аҳволин сўрмаса,
Ёр сўз толиби эрса жим ўтириб бўлмас.

Сўзамол маъшуқа олдида жим ўтириб бўлмас,
Гул олдида бедил булбул фиғонин ушлай олмас].

Ва Муҳаммадаминхон ул бечоранинг кимнинг ишқига боғланганини сезиб қолди. Аммо, олий ҳимматлилик юзасидан, камбағал бир инсонни ранжитгиси келмай, кўнглини кўтариш учун талаба сифатида давлат нафақасини тайин қилди ва тўнлар кийгизиб: – Қачон кўнглинг суҳбатимизни истаса, ўша пайтда ҳеч тортинмай ҳузуримизга келавер, бирор кимса олдинги тўсмайди, – деди. Ул муҳаббат оловида куйган бечора саркаш маҳбубдан бу сўзларни эшитиб, хурсандлигидан жон таслим қилаёзди. Ушбу туркий **мисраъ** бу ҳолга мосдир: Шод марг этмак муроди бизлари шод этса, ваҳ; Алқисса, ул тўғри кўнгилли ошиқ ўз маъшуқи ҳузуридан ташқари чиқди ва ҳужраси томон йўл олиб, ором топди. Кўнгли тинчланиб, ўз ишларига машғул бўлди. Гоҳ-гоҳ эса Муҳаммадаминхон ҳузурига келиб, суҳбатлар қуриб юрди. Шу зайл маъшуқ висоли билан умр ўткарди. **Байт:**

Эй гашта дил зи теғи жафои туам ду ним,
Бо мане ду дил мабош ки якдилам ҳанўз.
[Эй, жафоинг тиғи дилим икки пора айлаган,
Мен билан икки дилли бўлма, якдилмен ҳануз].

Ва Муҳаммадаминхоннинг ҳиммати шу даража эдики, бир куни ўз надимлари билан бирга ўтирар ва бу йиғинда мавлоно Нусрат ҳам қатнашаётган эди. Шоҳзода мавлонога юзланиб, ушбу мисраъни ўқиди ва шунга тазмин айтишни буюрди. **Мисраъ:** Ба гарди шамъ кўнғуз кўнғуз, парвона парвона (Шам атрофида кўнғиз кўнғиз, парвона парвона); Мавлоно Нусрат бадеҳа йўсини билан деди, **мисраъ:** Сарат гардам, тариқи дилнавози ёд гир аз шамъ (Бошингдан ўргилайин, дилнавозликни шамдан ўрган); Буни эшитган Муҳаммадаминхон кўп хурсанд бўлди. Ўша аснода шоҳзода қулоғига араванинг товуши эшитилди. Шунда «бунча кўп аравалар қаердан келяпти», деб сўради. Ёнидагилар: – Бугун фуқаролар Фарғона вилоятининг буғдойини подшоҳлик омборига олиб келишяпти. Аниқроғи, Фарғона ҳокимлигига қарашли Ёрмазор мавзеси Марғинонга ярим фарсах яқинликда жойлашган, ўша мавзенинг солиғини тўппа-тўғри омборга ташишяпти, – дейишди. Бу гапдан сўнг мавлоно Нусратга қарата, «бундан кейин ўтувчи араваларнинг ғалласи қанча бўлса, ҳаммасини сенга бахшида қилдим», деди. Мавлоно Нусрат ушбу **мисраъ**ни ўқиди-ю: Аз дўст як ишорат, аз мо ба сар давидан (Дўстдан бир ишора, биздан эса бош билан югурмоқ) – дарҳол ташқарига отилди ва югуриб чиққанча, қолган аравалардаги ғаллага эга чиқди. Бу гапларни мен мавлоно Нусратнинг ўз оғзидан бир неча бор эшитгандим.

Шоҳзода Муҳаммадаминхон ва унинг маъшуқаси қиссаси

Бу шоҳзода дилбар бир инсон эди. Унинг бу хислатини ушбу воқеа қиссасида тилга олиб ўтиш муносиб кўринди. Муҳаммадаминхоннинг бир маъшуқи бўлиб, ҳусн етуклиги ва раъноликда унга тенг келадигани йўқ эди. **Байт:**

Дар корвони дил зи матоъ қарору сабр,
Чизе ба жо намонд, кард торож ғамзаат.
[Дил карвонида қарору сабр матоҳидан
Бирор нарса қолмади, ғамзанг айлади ғорат].

Бир куни Муҳаммадаминхон кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада катта тўй берди. Бу йиғин зиёфатида ул пари юзли маъшуқ қирмизи шаробни давра бўйлаб айлантирарди. Базм айни авжига чиққан чоғда бузғучи ва ғаддор фалак ҳасад юзасидан ўтиришда диллар ҳузур топишини истамагандек, яна бир балони кўзғатди. Яъни, қисқаси шуким, тўсатдан ҳалиги гулгун либослининг кўлидан чинни коса ерга тушиб кетиб, ошиқлар дили каби чил-чил синди ва ул баданнинг манглайдан хижолат тери оқди. Муҳаммадаминхон фаросат юзасидан маҳбубининг уялганини англаб, уни бу хижолатдан чиқариш учун бир фикр ўйлаб топди. **Мисраъ:** Зеҳни латифи ту ҳама фикри накў кунад (Ўткир зеҳнинг фақат яхши фикрлар қилади); Иттифоқо, ўша пайтлари Кошғар вилоятдан совға йўсини билан ҳар хил газлама матолар келтиришган ва бу ҳадялар орасида икки юз дона чинни коса ҳам бор эди. Муҳаммадаминхон ўз маҳбуби томонга қараб: – Чинни идишнинг жарангдор товуши қулоғимга жуда хуш ёқди. Аслида бу косаларнинг ҳаммасини синдиришинг лозим. Шундагина дилим уларнинг жарангидан ҳақиқий завқ топажак, – деди. Ҳалиги кумуш танли жонон худди шоҳзода айтганидек қилиб, жонон пиёлаларнинг ҳаммасини чил-чил синдириб чиқди. Муҳаммадаминхоннинг муддаоси ул офтоб талъатни хижолатдан қутқариш эди. Ўйлагани каби бўлди ва демишлар, **байт:**

Хумой бар ҳама мурғон аз он шараф дорад
Ки, устухон хўрад ва жонвар наозорад.

[Хумонинг бошқа кушлардан шарафли жихати,
Суяк ер, гўшт учун жонивор озорига йўқ нияти].

Ўша замонда Мастура биби отлиғ бир қиз бор экан. Шеърда Махзун тахаллусини қўлларкан. Қуёшни алдовчи юзидан ой беркиниш азобини тортар, эшилган сочи аъқиқ тусли юзига булоққа ўхшаб тушар, қоматини кўрган адл қадли сарв бинафшанинг елкасигача эгилар, ярим маст кўзларининг қири хушмандлар дилидан сабр матосини ўғирлар, ёндирувчи ёноқларини кўрган юрак ўтга тушган исириқ сингари чирсиллаб ёнар, чаман булбули шам атрофидаги парвона янглиғ юзи теварагидан кетмасди. Майса палослари оёғини ўпиш шарафини топганидан ўзларини Мисрнинг ипак газламаси сингари азиз туяр, тупроқ либослари ҳамоғуш бўлганларидан Чин харирини метин тош ўрнида кўрарди. **Назм:**

Султони шакарлабони офоқ,
Шакаршикани шикеби ушшоқ.
Гарданзани офият фурўшон,
Ташвишдеҳи салоҳ кешон.
Машъал каши офтобу анжум,
Девона куни пари ва мардум.
Аз васвасаи чашми дев баста,
Тасбеҳи фариштағони гусаста.
Фармудаи гулола савори,
Дода мижжаро салоҳдори.
Сар то ба қадам карашмаву ноз,
Ҳам саркаши ҳусн ва ҳам сарафроз.
[Олам шакар лабларининг султони,
Ошиқлар сабрининг шакар озиги.
Саломатлик тариқининг танбеҳчиси,
Тўғри йўлларнинг озор манбаси.
Қуёшу юлдузлар йўлин ёритгувчи,
Пари ва одамларни қилувчи девона.
Васвосдин дев кўзин боғлаган,
Тарқалган фаришталар тасбеҳи.
Устма-уст зулфлар фармойиши,
Киприқларга эзгулик берувчи.
Бошдан-оёқ карашмаву ноз,
Ҳам ҳусн саркаши, ҳам сарафроз].

Унинг мавзун таъби равон бўлиб, мавлоно Фазлий билан савол-жавоб тариқида бир неча **абёт** айтишган. Ўшалардан биттаси ушбудир. Қизнинг саволи:

Дили Махзун ба сари ангушти қазо дар гиреҳ аст,
Ё раб, ин ғунчаи нашугуфта кужо бидушояд?
[Махзун дили қазо бармоғига тугилиб турибди,
Эй худо, бу очилмаган ғунча қаерда очилади?]

Мавлоно Фазлийнинг жавоби будир:

Абр то гиря насозад накунад ханда чаман,
Гули сероби ту аз шабнами мо бидушояд.
[Булут йиғламагунча чаман очилиб кулмас,
Сувга тўла гулинг шабнамимиздан очилади].

Манови туркий **ғазал** ҳам унинг таъби маҳсулидир:

Азал деҳқони қаддинг нахлини то сарбаланд этти,
Муҳаббат риштасин кўнглум қуши бўйниға банд этти.
Санго тақлид қилмиш гул ки осиб кура бўйниға,
Тикон устиға они ўтқуруб гардун адаб этти.
Малойик сахнаси хуршидни ҳуснига саркаш деб,
Осиб айлантуруб таъзир этиб гардунға банд этти.
Ямон кўз тегмасун деб ҳуснингга эй хублар шоҳи,
Жамолинг оташиға донаи холинг сепанд этти.
Мани қатл этгали бошимға ул бераҳм жаллодим,
Қошидин тиф тортиб, тори гесудин каманд этти.

Бути номехрибоним масти лояқал чиқиб ваҳ ким,
Бошимға сакратиб, хок танним гарди саманд, этти.
Фалак кажравлигидин шиква гар қилсам тонг эрмаским,
Ҳумоға устихон ташлаб, чинға таъмаи қанд этти.
Ажаб йўқ шиква қилсам шоҳлардин ким замон аҳли,
Ки рухдек ростдин фарзини кажравни писанд этти.
Фалак ҳар кимга аъло рутба этса бесабаб эрмас,
Қуёшни ерга кирмаклик учун, билгил, баланд этти.
Қаён боқийму деб Маҳзун кўнгил кўп интизор ўлди,
Баҳамдиллоҳ ки мужғони новакидин баҳраманд этти.

Ва шоҳзода бир неча айём лаззатли таомлар еб, мазали шароблар ичиб, қуш ва жониворларнинг сарасини шикор қилиб, гул қоматли ой юзликлар билан дилкаш суҳбатлар қуриб, хур насли гўзаллар билан ўтириб-туриб, тинч ва ором кўнгил билан яшаб, ёғдули кўнглини тамоми ишлардан тўқ тутганча хурсандлик ва сурур, айшу ҳузур байроғини ҳилпиратди. Маъноларни ечувчилар ва ҳақ сўзни дегувчилар кўнглидан яширин ва бекитиқча қолмасинким, дунё уйи ходисалар макони ва тасодифлар маскани эрур, чунки, эътибор осмони уфқидан давлат қуёши балқиб чиқиб, сўнг ботиш сарҳадига етмай қолган бирор кун йўқ, қурилиш майдонида салтанат биноси осмонга бўй чўзиб, кейин фано зилзиласи офатидан қулаб тушмаган замон бўлмаган. Гапнинг қисқаси шуки, ул олам шоҳзодаси айни ёшлик чоғида фармон фармолик мақсадини қиларкан, саъб (оғир) касалига йўлиқди. Ажал сарбози етишгач, ул жаҳонни кўриб улгурмаган шоҳзоданинг навниҳолини бирор ном-нишон қолмайдиган даражада тағ-томири билан кўпориб ташлади. **Марсия** ушбудир:

Эй фалак, оҳиста рав, коре на осон кардаи,
Мулки Туронро ба марги шоҳ вайрон кардаи.
Осмонро фурў овардаи аз авжи хеш,
Бар замин афкандаи бо хок яксон кардаи.
Офтоберо ки халқи оламаш дар соя буд,
Зери мушти гил ба сад хорияш пинҳон кардаи.
Нест кори мухтасар гар бо ҳақиқат мерави,
Қасди хуну молу мулки ҳар мусулмон кардаи¹⁴⁶⁶.
[Эй фалак, оҳиста юр, магар бу ила ишни осон айладинг?
Турон мулкини шоҳ ўлими ила ахир вайрон айладинг.
Осмонни ўз авжидан пастга қулатдинг сен,
Ерга қулатдингу тупроқ билан яксон айладинг.
Олам халқига соя бўлмиш ул офтобни сен,
Бир сиқим лой тагида юз хорлик билан пинҳон айладинг.
Ҳақиқат билан юрсанг йўқдир ундан яхши иш ахир,
Қасд этиб молу мулкига, мусулмонларни бехонумон этдинг].

Салтанати муддати Фарғона мулкида саккиз йил, ҳаёти муддати йигирма саккиз йил бўлди. Ул шоҳзода вафотига атаб мавлоно Акмал Хўқандий яхши бир таърих айтган ва Муҳаммадаминхон вафоти **таърихи** ушбудир:

Муҳаммадаминхони жаннатмакон,
Замоне ки барбаст рахт аз жаҳон.
Хирад гуфт таърихи он зифунун:
«Зи иқлими Фарғона шуд шаҳ бурун».¹⁴⁶⁷
[Муҳаммадаминхони жаннат макон,
Бу жаҳондан кўчин йиғиштирган замон.
Ақл деди у билимлар эгаси тарихин деди:
Фарғона ўлкасидан шоҳ кетди чиқибон].

Ундан ўғил фарзанд қолмади. Норбўтабий валинеъмат ўғлига бир неча кун аза очиб, хатми қуръон қилди ва камбағалларга садақалар улашди. Бир йилдан сўнг халққа катта ош қилиб бериб, халқ эғнидан азадорлик кийимларини ечдирди. Аммо, ўзи фарзанди ғамидан қутула олмади. Оқибатда, фарзанд ўлимининг доғи уни оғир касалга мубтало қилди ва Норбўтабий кўрпа-ёстик

¹⁴⁶⁶ Бу марсия аслида мўғулларнинг Эрондаги элхоний ва элкониий сулоласи вакилларини мадҳ этган шоир Салмон Соважийга (ваф. 1376) тегишли бўлиб, элкониий Султон Увайс ибн Шайх Ҳасан вафоти муносабати билан ёзилган мазкур марсиядаги “Эрон” сўзи ўрнига бу ерда “Турон” ишлатилган.

¹⁴⁶⁷ Тарих моддаси абжад ҳисобида 1202/1787-88 ни беради.

килиб ётиб қолди. Асрнинг табиблари қанчалик даволашга уринмасинлар, фойда бермади. У ҳам неча ғам ва ғусса билан бу ўткинчи дунёдан охират уйига кўчиб ўтди. Чунончи демишлар, **назм:**

Дунё ки дар ў бўйи вафо нест паид,
Бояд ки зи ҳарчи ҳаст пайванд бурид.
Ин сурати маргро дар ойнаи ақл,
Аз руйи хирад ҳамеша мебояд дид.
[Дунёнинг кўринмаса гар вафоси,
Ундан узмоқ лозим кўнгилни.
Бу ўлим суратин ақл ойнасида,
Ақл юзидан кўрмоқ керак доим].

Норбўтабийнинг салтанати ўттиз йил, умри қирқ саккиз ёш бўлди. Унинг олти нафар ўғил ва беш нафар қиз фарзанди бор эди. Биринчиси Муҳаммадаминхон бўлиб, онаси қалмоқ эди. Иккинчиси амир Олимхон, кейингиси фақирнинг онаси, учинчиси амир Умархон, буларнинг ҳар учаласининг онаси Ирискулибий ибн Дўсткул Баҳодирнинг укаси Имомкулибийнинг қизи бўлмиш давлат соҳиби Минг ойим эди. Дўсткул Баҳодир эса ўз насабини Чодак хожаларига тақаб, бу жамоа ўзининг саййидлардан эканини ўша орқали даъво қилади; Тўртинчиси Рустамбий, бешинчиси Фозилбий, олтинчиси Ёдгорбий. Бу учала амирзоданинг онаси канизлардан саналади.

Норбўтабий валинеъмат бу кеккайган жаҳондан этак силкитиб кетгач, унинг ўлими ва амир Олимхоннинг тахтга ўтириши воқеасини Акмал Хўқандий ушбу **таърих**да баён этган эди:

Дарид синаи ҳасм ва бурид пои адув,
Писар ба жойи падар зеб дод «мазҳари мулк»¹⁴⁶⁸.
[Душманнинг синасини ёриб, ғанимнинг оёғин қирқиб,
Ўғил отанинг жойига давлатнинг зийнاتини берди].

Саййидлар, уламо ва фуқароҳаммаси биргалашиб олам аҳли шоҳзодаси амир Олимхонни саодатли бир вақту соатда шахриёрлик ўриндиғи ва жаҳондорлик тахтига ўтқаздилар. Ўша асру замона каби қўлдан қўлга ўтиб тиним билмаган шахриёрлик узуги мақсади ҳосил хусравнинг қудратли қўлида ўз тинчини топиб, янги ҳукмдор ўз ҳукму давлатини юргизишга киришди.

Шундан бир неча вақт ўтгач, туғишган синглиси, яъни фақирнинг онасини қиблагоҳим никоҳига киргизиб, шундай тўй қилиб бердики, таърифи ҳеч бир тавсифга сиғмайди. Ҳозирда Испара номи билан танилган Исфаройин ҳукуматини ҳам қиблагоҳ отамга берди. Қиблагоҳим амир Олимхондан рухсат олиб, ўша юрт томонга юзланди. Бир манзил йўлни босиб ўтиб, ул вилоятга етишди. У ер халқининг барчаси отамни кутиб олиб, тўла иззат-икром билан шаҳарга киргиздилар ва муносиб бир уйга туширдилар. У пайтда бу юрт ҳокими Норбўтабий амирларидан энг улуғи Бойбўта баҳодир қалмоқ бўлиб, у мазкур мамлакатга қарашли ва Испарадан бир фарсах масофа узоқликда жойлашган Зумрадшоҳ қалъасидаги қароргоҳида ўтирарди. Бу хабарни эшитган заҳоти кўрнамаклик йўлига кириб, қаршилиқ кўрсата бошлади. **Байт:**

Синаеро ки тийра гашт зи адў,
Андар ў ҳеч равшанойи нест.
Бевафойи макун ки мардумро,
Ҳеч айбе чу бевафойи нест.
[Душманлик ҳиссидан қорайган
Юракда ҳеч ёруғлик бўлмас.
Бевафолик қилма, инсон учун,
Бевафоликдан ёмонроқ айб бўлмас].

Жаноби қиблагоҳ ул ҳаром намакнинг уятсизлик ва беномуслик либосини кийганини англаб, ноилож Хўқанд томонга қайтиб кетдилар ва тез суръатда Хўқандга етиб келиб, бўлиб ўтган воқеа тафсилотини амир Олимхонга айтиб бердилар.

Амир Олимхоннинг туз тутгир Бойбўта устига лашкар тортгани ва ул қалъанинг ҳазрати худои таоло лутфидан фатҳ этилгани

Алқисса, амир Олимхон бу сўзларни эшитган ҳамоно йиртқич шер каби ғазабининг олови кўкка ўрмалади. Дарҳол Фарғона кўшини билан душман сари юзланди. Икки манзил масофани босиб ўтгач, ул қалъани худди узукнинг қоши каби ўртага олиб, уруш ва жанг ишига киришди. Бир кеча-ю,

¹⁴⁶⁸ Тарих милодий йилда 1787-88 дир.

кундуздан сўнг ғалабага ёр қўшин қалъа ичидагиларни тўп ва тўфанларнинг ўқ ёмғири остида қолдириб, кўзларини очиришга фурсат бермасдан қийин аҳволда қолдирди. Ана шу от-ўлдир ишлари авжига чиққан маҳал мардлик паноҳи Абдулвали мирзонинг тўфангидан отилган бир ўқ манглайи қаро Бойбўтаннинг шўр пешонасига тегиб, ҳаракатдан қолди. **Байт:**

Бо валинеъмат ар барун ойи,
Осмони ки сарнагун ойи.
[Туз берган кишингга қарши чиқсанг,
Осмондек бўлсанг ҳам ерга қулаб тушасан].

Қалъа халқи бу ҳолни кўриб, қўл ва оёқларидан жонлари қочганча ҳар ким ўзича иш кўра бошлади. Хўқанд кўшинидагилар душманнинг заифлашганидан хабар топиб, шовқин-суронни яна ҳам баландроқ қилишди ва қалъа сари юриш бошлашди. Бир ҳамла билан эса қалъага ҳам кириб олишди. Қўлларини қатлу торожга чўздилар ва бадбахт Бойбўтани икки нафар ўғли билан тирик асир тушириб, қўл-оёқларини боғлаганча, судраб-тортиб амир Олимхон олдига келтирдилар. Амир Олимхон уларни шу захотиёқ ўлимга буюриб, ўша ерда бошларини олдилар. Шу тариха Зумрадшоҳ қалъаси фатҳ этилди. Амир Олимхон ул юрт ҳукуматини яна қиблагоҳга таклиф этди. Аммо, қиблагоҳ жаноблари қабул қилмади. Шундан сўнг бошқа ҳоким тайинланди. Амир Олимхон фатҳу зафар билан Хўқанд тарафга қайтди. Ўз давлати пойтахтига етишиб, бир неча муддат давлат ишлари билан машғул бўлди. Ўша вақтда кадрли амакиси Ҳожибий ҳали ҳаёт эди. Шу шажаранинг бир шохаси бўлган Довудбий, Бекбўтабий ҳам Норбўтабий валинеъмат давлатининг соясида яшаб келгандилар. Укаси Рустамбий Конибодом ҳукуматини бошқарар, яна иккита укаси эса ҳали ёш болакайлар эди. Аммо, амир Олимхон ўз кўнглини буларнинг ҳам ҳадигидан тинчитишни истаб, уларни ўлдиришни кўнглига тугди. Айтиш керакки, Хўқанд хонларидаги бу ўз хонадони аъзоларини ўлдириш ўша замондан расм бўлиб, амир Олимхон Ҳожибий ва Бекбўтабийни шахидлик даражасига етказди. Ҳа, инсонийлик кадри ва манзилат поясининг ўзи ана шу каби «осойишталик манзили ва макони»дан ўзга нарса эмас. Демишлар, **байт:**

Хати фано ба бандаи озод медиханд,
Ҳарфи бақо ба сафҳаи лайлу наҳор нест.
[Фано хатини озод бандага берадилар,
Бақо ҳарфлари кеча ва кундуз саҳифасида йўқ].

Ҳожибийнинг уч ўғил фарзанди бор эди. Тўнғичи Улуғбек, ўртанчаси Шералибек ва кенжаси Бекўғулбек бўлиб, бу учинчиси ҳали гўдак эди. Амир Олимхон Улуғбек ва Шералибекни ўн беш-ўн олти яшарлигида Қирғиз томонга сургун қилдирди. Шу зайл Улуғбек ва Шералибек қирғизлар ичида яшай бошладилар. Улуғбек кунлардан бир кун ўша ердаги эски бир гунбаз тагида хат машқ қилиб ўтирганда замонлар ўтиши билан деворлари увадаланиб қолган бу бино ўн гулидан бир гули очилмаган мазкур шоҳзода устига қулаб тушди ва уни то қиёматгача қайтиб тура олмайдиган даражада босиб, янчди. Шералибек эса қирғизлар орасида яшаб қолаверди. **Байт:**

Дар ноумиди баса умед аст,
Поёни шаби сияҳ сафед аст.
[Умидсизликда умид ҳам бор,
Қора тун сўнггида ёруғлик ҳам бор].

Довудкулибекни Бухоро томонга сургун қилдирди. Аммо, бир неча кундан сўнг Рустамбий ул жаҳон кўрмаган ёшнинг нозанин томоғига шахидлик шарбатини куйди. Олимхон улар ишидан кўнглини тинчитгач, иккита *сардор*¹⁴⁶⁹нинг ўз қўшинлари билан Хўжандга Хонхожа ҳузурига боришини ва ул саййидлик паноҳининг эса *амири лашкар*¹⁴⁷⁰ бўлиб, мазкур қўшин билан Тошканд вилоятига бостириб бориб, у ерни талон-торож қилишлари ҳақида буйруқ берди. Олимхоннинг бу юришдан асл нияти бошқа нарса эди.

Саййидлик паноҳи Хонхожанинг Тошканд мамлакати устига лашкар тортгани ва ул саййиднинг Юнусхожа қўлидан шахидлик шарбатини ичгани зикри

Хўқанд қўшинлари Хўжандга етгач, Хонхожа барча лашкарни бир ерга тўплаб, ўзи амири лашкар бўлиб, Тошканд вилояти сари юзланди. Бир неча масофани босиб ўтгач, Оҳангарон¹⁴⁷¹

¹⁴⁶⁹ Бу ерда сардор ҳарбий бошлиқ маъносида.

¹⁴⁷⁰ Амири лашкар – хонликда энг юқори ҳарбий унвон. Лашкар бошлиғи, кўмондони.

¹⁴⁷¹ Оҳангарон – Қурама вилояти таркибидаги водий ва шаҳар.

чўлидаги Қурама¹⁴⁷² вилоятига келиб тушди. У ердан тунги юриш йўсини билан шабгир қилиб чиқиб, қуёш чиқмасдан Тошканд вилояти яқинига етиб олди ва қўшиндагилар тонг оқармай туриб, қўлларини талон-торожга чўзиб, аҳоли молини талашга тушдилар. Бу ваҳшат асарли хабар Юнусхожа қулоғига етгач, дарҳол кўп сонли лашкарни отлантириб, душман олдига қаратиб юборди ва ўзи улар орқасидан ўша томонга қараб юрди. Чирчиқ дарёсига яқин ерда жойлашган Қорасув мавзесига етиб келишди. Ўша ерда ҳар икки лашкар дарёси бир-бири устига ташланиб, анча уруш ва жанглардан сўнг ғалаба шамоли Юнусхожа байроғи томон эса бошлади. Хонхожа лашкари қочиш сари юзланиб, Тошканд қўшини уларни таъқиб этишга киришди ва қочганларнинг бир бўлагини қатлга еткардилар, анчасини эса асир олдилар. Тасодифдан, ўша қочиш чоғи, Хонхожа отининг оёғи сунчикиб кетиб, шу қоқилишда йиқилиб тушди. Шу зайл Юнусхожа қўшинидаги аскарлардан биттаси ул жанг майдони шерини асир олишга муваффақ бўлди. **Қитъа:**

Ҳар он ки гардиши гети ба кини ў бархост,
Ба ғайр маслахаташ раҳбари кунад айём.
Кабўтаре ки дигар ошиён нахоҳад дид,
Қазо ҳаме барадаш то ба сўйи донаву дон.
[Фалак қасди кимгадир қарши кўпган замон,
Тақдирин олар қўлига унинг дарҳол даврон.
Ўз уясини кўришдан маҳрум бўлган каптарни
Бир тасодиф дон ва тузоқ сари бошлаб боради].

Ҳалиги аскар уни Юнусхожа олдига олиб борди. Қарашса, бу гал бало тузоғига саййидлик паноҳининг ўзи гирифтор бўлибди. Юнусхожа саййидлик паноҳининг қилган иши баҳонасида Хонхожа ҳурматини бажо келтирмади. **Байт:**

Ҳайф аст ранж бурдан дар ҳаққи чун ту ёре,
К-зи роҳи бевафойи жуз қасди жон надори.
[Сенга ўхшаш дўст ҳаққида ранж чекмоқ хайф,
Бевафосан, жонга қасд қилишдан ўзгани билмайсан].

Бу байтни келтирганимиз маъноси шундаки, Юнусхожанинг давлат тепасига чиқиши аслида шу саййидлик паноҳи туфайли рўй берган эди. Энди ушбу ҳол Юнусхожада одамгарчилик деган нарсадан ҳеч вақо қолмаганини кўрсатди. Хуллас, хожани ҳам бошқа асирлар билан бирга олиб, зўр дабдаба билан Тошканд томонга юзланди. Ўз қароргоҳига етгач, қўлга тушган Хўқанд улуғларидан етмиш кишини қатлга еткарди. Уч кундан сўнг Хонхожа эшонни отхонага киритиб, осишга буйруқ берди ва ул саййидни шу зайл шаҳодат даражасига еткарди. Ўшанда Хонхожа эшон етмиш ёшдаги кекса киши эди. Ўн саккиз йил Тўрақўрғон ва Намангон вилоятида, икки ярим йил Хўжанд вилоятида ҳоким бўлди.

Ўша кезлар Хўжанд вилоятининг эгасиз қолганидан фойдаланган Бобо *девоубеги* Бекмуродбий билан бирга Ўратепанинг кўп сонли лашкарини эргаштириб, бу вилоятни қўлга киритди. Ахир демишлар, **байт:**

Охир дилам ба орзуйи хештан расид,
Ва ончи аз худой хоста будам ҳамон расид.
[Ниҳоят кўнглим ўз орзусига етди,
Худодан истаган нарсам қўлга киритдим].

Ўша пайтларда, Норбўтабий валинеъматнинг куёви бўлмиш эшон Бузургхожа мавлоноий Чуст вилоятида ҳокимлик қиларди. Бу эшон амир Олимхоннинг мазкур хийла билан Хонхожа ҳалокатининг сабабчиси бўлганини англагач, у ҳам кўрқувга тушиб, қаршилиқ ноқорасини чалди ва Хўқандга қарашли ерлар устига босқин-чопқин уюштириб, аҳоли мулкани талаттирди. Ва амир Олимхон эшон Бузургхожанинг бу ҳаракатларидан дарғазаб бўлиб, лашкарнинг ҳар тўртта туғини ҳам эшонни жазолаш учун жўнатди. Тўртта *сардор* ҳам бирваракайига йўлга тушиб, дарёдан ўтишди ва Чустга яқинлашдилар. Буни эшитган Бузургхожа дарҳол отланиб, улар келаётган тарафга қараб юрди. Хожаобод мавзесида ҳар икки тараф лашкари бир-бири устига ташландилар. Анча уруш ва жанглардан кейин хожа ғалабага эришди. Хўқанд қўшини қочиш сари юзланди ва эшон ўз лашкари билан уларни қувлаб етиб, хўқандлик сарбозларнинг барчасини *сардор*лари билан бирга қўлга туширди. Бузургхожа ана шундай ғалаба ва зафар билан ўз қароргоҳи томон қайтиб кетди. Бу хабар амир Олимхон қулоғига етгач, ҳайрат бармоғини тишлаб, фикрга ғарқоб бўлди. Ноилож, жаноб

¹⁴⁷² Қурама – шу ном билан катта этник гуруҳ Тошканд вилояти атрофидаги (шарқда) Бўка, Оҳангарон, Тўйтепа нтуманларида яшаётган аҳоли ва улар яшаётган жой. Маркази Кировчи бўлган.

қиблагоҳимни шахзода амир Умархон билан бирга Хўқандга ўринбосар тайинлаб, ўзи уруш пайдан бўлди.

Амир Олимхоннинг Тўрақўрғон ва Чуст мамлакатларини фатҳ этгани зикри

Амир Олимхон катта қўшин тўплаб, Чуст томонга қараб юрди. **Байт:**

Фатҳу нусрат пешу пас, авни Илоҳи роҳбар,
Аспи давлат зери рон, чатри зафар болойи сар.
[Кетма-кет ғалабалар, илоҳий мадад йўлбошчи,
Давлат оти оёғи остида, зафар соябони бош устида].

Бир қанча йўлларни босиб, дарёдан ўтганча Ғурумсарой¹⁴⁷³ мавзесига кириб борди. Эртаси куни у ердан кўзғалиб, Машҳад¹⁴⁷⁴ мавзесига кўшлади. Бузургхожа эшон бу хабарни эшитиб, катта қўшин билан амир Олимхон келиб тушган тарафга қараб йўналди ва мазкур мавзе яқинига етиб борди. Ўша кечаси ҳар иккала жангталаб лашкар бир-бирини йўқотмоқ қасдида жанг тайёргарлигини кўришди. Шарқ куёши зангори осмон уфқидан бу можароларга тўла олам узра намоён бўлгач ва қоронғу тун ўз ниҳоясига етгач, икки лашкар денгизи тўлқиндек мавжланиб, бир-бири қаршисида саф тортишди. Жон қасдини қилувчи довюрақлар жангга киришиб, уруш майдонида мардоналик намуналарини кўрсатишди. Тонгдан пешингача жангу жадал шу тариқа давом этди. Пешиндан сўнг Бузургхожа лашкари юрагига кўрқув йўл топиб, саййидлик паноҳи тақдир ўз ишини қилиб бўлганини кўриб, ноилож деди, **байт:**

Сабботдор намояд жамоли кор дуруст,
Дар об сурати жунбон дуруст нанамояд.
[Кўчирма олувчи иш жамолини тўғри чизади,
Сувда сурат қимирлаб, яхши кўринмайди].

Ва яна бир марта амир Олимхон устига ташланди ва ҳар икки қон оқизувчи лашкар қайтадан устма-уст чирмашдилар. Шундай қиёмат кўпдики, Исрофил сурнайининг¹⁴⁷⁵ товуши эшитилмай қолди, осмону фалак сари чангу тўзон қуюни шундай ўрлаган эдики, фалакдаги малакларнинг кўзларини очдирмасди. Ота ўғлининг ҳолидан хабар топмас, оға-инилар бир-бирини таний олмасдилар. Шундай жанг рўй берган эдики, ажал найзаси шошиб қолганидан биринчи бўлиб қай томонга боришини билмай гаранг ҳолатда ёшу қарини бир хил нарҳда сотар, ботирлар конидан жанггоҳ румоний ёқут рангига кирган эди. **Қитъа:**

Дами нойи рўйин даромад ба авж,
Ями ҳарб гардид аз хун ба мавж.
Ялон қуръаи жанг андохтанд,
Ба мардонаги теғи кин сохтанд.
[Рухдан ясалган най овози етди осмонга,
Жанг майдони мавж урди тўлиб қонга.
Баҳодирлар жанг қуръасин ташлашди,
Мардоналик ила кин қиличин яшашди].

Анча уруш ва жанглардан сўнг амир Олимхоннинг бахт юлдузи балқиб чиқиб, Бузургхожа юлдузи қуйи томонга сўнди. Хожа қочишни ихтиёр этиб, шу қочганча Чуст шахрига келиб кирди. У ердан эса қанча дард ва ҳасрат ичида молу мулкдан кўнгил узганча бир нечта кишиси билан Кухистон¹⁴⁷⁶ томонга қараб кетди. Амир Олимхон эса фатҳу нусрат билан Чуст вилоятини барча тобеъ ерлари билан эгаллаб, ўз томонидан ҳоким тайинлади ва бахту давлат билан Хўқанд тарафга қайтди. Дарёдан ўтиб, ўз давлатхонасига кириб борди ва ўлдир-ўлдир ишларидан тинчиганча бир неча кун давомида дам олди.

Алқисса, Бузургхожа шу қочганча қирғиз жамоаси орасига борди ва бир неча муддат улар ичида умр ўткарди. Аммо, жуда қийин аҳволга тушиб, ўғилларини Тошкандга, Юнусхожа ҳузурига жўнатиб, ундан ёрдам тилади. Юнусхожа ўғилларини ҳузурда сақлаб, ҳолларидан хабар олиб турди. **Байт:**

Дар талаб мекўшам ар ёбам зеҳи айни талаб,

¹⁴⁷³ Ғурумсарой/Хуррамсарой – Фарғона водийсидаги Наманган вилояти, Поп туманидаги қишлоқ.

¹⁴⁷⁴ Машҳад/Машад – Поп туманида жойлашган мавзе.

¹⁴⁷⁵ Диний ақидаларга кўра, қиёмат куни Исрофил номли фаришта қаттиқ сурнай чалиб, унинг овозига ўликлар тирилиб, бир ерга йиғилдилар.

¹⁴⁷⁶ Бу ерда Кухистон бугунги Тожикистоннинг шимоли жойлашган тоғлар (Қаротегин, Ғарм ва Давроз ҳудудлари).

В-ар наёбам саъйи ман афтад бузургонро писанд.
[Талаб йўлида тиришаман, топсам айни муддао,
Топмасам ҳам ҳаракатимни олқишлар улуғлар].

Ноилож, яна собиқ юрти сари қайтишга мажбур бўлди ва бир неча манзилларни босиб ўтиб, Чуст вилоятини қайтадан эгаллади ва амирлик мансабига ўтирди.

Амир Олимхоннинг иккинчи марта Чуст томонга қўшин тортиб боргани зикри

Бузургхоннинг келгани хабари амир Олимхон қулоғига етгач, дарҳол Хўқанд лашкари билан Чуст сари юзланди. Бир неча манзилларни орқада қолдириб, дарёдан ўтди ва Чуст вилояти ҳудудига кириб борди. Бузургхожа урушга тайёрланиш ишларини бошлаб юборди, аммо, ўшал аснода бечоранинг бахти қайтган ва ажал ёқасидан олган бўлиб, амирлар ва фуқаро ундан юз ўгиришди ва Бузургхонни ушлаб, амир Олимхон олдига олиб чиқашди. **Байт:**

Дар ҳар коре бибояд тадбир зи нахуст,
Наояд зи дили шикаста тадбири дуруст.
[Ҳар бир ишда аввал тадбир лозимдир,
Синиқ кўнгилдан дуруст тадбир чиқмас].

Амир Олимхон бу хабарни эшитгач, ул саййидлик паноҳи ўзининг асир тушган душмани бўлишига қарамай, ҳурматини жойига қўйди ва кўнглини кўтариш пайдан бўлди. **Байт:**

Ба дил гуфтам кадомин шева душвор аст,
Нафас дар хун тапиду гуфт: поси ошноихо.
[Дилга дедим: қайси услуб эрур мушкулроқ,
Нафас қон аро гуп-гуп деди: дўст ҳурматин этмоқ].

Ҳидоят паноҳ эшон мавлавий ва саййидлик паноҳи бўлмиш фақирнинг бобоси Ҳаким тўрани истиқболига жўнатиб, тўла иззат билан олдига чақиртирди. Саййидлик паноҳи амир Олимхоннинг чодирига яқинлашгач эса амирнинг ўзи кутиб олиб, бир-бирини бағирларига босиб, йиғига тушиб кетдилар. Шу ерда турган амирларнинг ҳам бу манзарадан ўпкалари тўлиб, йиғлай бошладилар. Сўнг давлат арбоблари амир чодирига кириб, бирор соатча мажлис қурдилар. Маслаҳат ва машваратдан кейин амир Андижон ҳокими Қўшмалла *девонбегига* мажлисининг саййидлик паноҳини ўлдириш ҳақидаги қарорини бажаришни буюрди ва *девонбегини* шу кечасиёқ ул саййидни шахидлик даражасига етказди. **Байт:**

Ҳама ботин харобу зоҳир обод,
Ба зоҳир навҳагар, аммо, ба дил шод.
[Ичи тамомила бузуқ, ташқариси обод,
Ташқаридан йиғи айлар соз, ичидан шод].

Амир Олимхон ўз кўнглини Бузургхожа ишидан тинчитгач, ул вилоятни тамомила эгаллаб, тартибу назмини хўб адосига еткарди ва Хўқанд тарафга қайтиб кетди. Дарёдан ўтгач, давлатхонасига келиб тушди. Бироз вақт шу зайл кечди ва амир Олимхон амирларининг энг улуғи бўлмиш Ражаб *девонбегини* амири лашкар қилиб, сон-саноксиз лашкар билан Хўжанд томонга жўнатди. Ўша пайтда ҳар айланиши бир бузғунчиликдан иборат фалак яна бир янги ўйинни бошлашга киришди.

Юнусхоннинг банги хаёл билан Хўқандга лашкар тортгани ва унинг мазкур диёрдан қочиб қолгани зикри

Гапнинг қисқаси шуки, ўша вақтда Юнусхожа саййидлик паноҳи Хонхонни урушда енгиб, қочиргани ва сўнг қўлга туширганидан қувончдан терисига сиғмаган эди. Чунки банги хаёлига «энди бу оламнинг тўрт бурчагида мендан каттароқ ҳурмат ва эътиборга лойиқ подшоҳ қолмади», деган фикрлар келган ва мияси шундай истак ва манманлик ҳаваслари билан тўлганди. Бир куни ана шу хом хаёл орқасида кўнглига Хўқанд мамлакатларини эгаллаш ҳаваси тушди. Ўша кезлари ўғиллари ичида энг кичиги Ҳошимхожа исмли фарзанди бўлиб, ўша ўғлига жуда дабдабали бир тўй қилиб бериш иштиёқида юрарди. Аммо, бундай тўйни ўтказишга етарлича маблағи ва керакли матоҳлари бўлмай, боридан ҳам кўнгли тўлмасдан тўйни ўтказиш муддати кундан-кун орқага сурилиб бораётганди. Бу нарса банги хаёлидан жой олиб, беихтиёр, «амирлар урушга тайёргарлик кўриб, Хўқанд томон юзлансинлар ва фарзандимиз тўйини Хўқандни фатҳ этгач ўша ерда катта қилиб

ўтказамиз», дея буйруқ берди. Ўша амалга ошмас орзуда тез фурсат ичида қозоқ лашкари билан Хўқанд томонга юзланди. **Қитъа:**

Солҳо андеша мепухтам к-зи даври фалак,
Кори мо охир чунин ё ончунон хоҳад шудан.
Ё бар ин минвол ганжу симу зар хоҳем ёфт,
Ё дар он иқлим ҳукми мо равон хоҳад шудан.
[Йиллаб ўй ва режа туздикки фалак айланиб,
Ишимиз ниҳоят ё ундоқ, ё бундоқ бўлар деб.
Ё шу зайл бойлик, пул ва тилла топармиз,
Ёки ул ўлкада ўлимга ҳукм этгусидирлар].

Бечоранинг кўнглига фалакнинг бошқа ажиб бир ишлари борлиги, бир соат ичида ҳам барча оламни яратиши ва ҳам остин-устун қилиб юборажаги каби ўйлар келмаган эди. Ниҳоят Қурама йўли орқали тез суръатларда тоғдан ўтиб, Ашт¹⁴⁷⁷ мавзесига кириб борди ва шунда бу юриш хабари амир Олимхон қулоғига етди. Дарҳол отланиб, елдек тезучар чопарни тезликда Хўжандга Ражаб *девонбеги* олдига юборди, ўзи эса зўр дабдаба билан фаридунлик шавкати парини темир дубулғали бошига қадаб, Юнусхожага қарши жанг сари юзланди.

Амир Олимхоннинг Юнусхожа билан урушгани ва уни илоҳий тақдир билан тор-мор келтиргани зикри

Ражаб *девонбеги* воқеадан хабар топгач, Хўжандни холи ташлаб, лашкари билан тез суръатда кечасиёқ йўлга тушиб, бир оқшом ичида дарёдан ўтиб олди ва ўзини Гурумсарой мавзесига етказди. Ўша вақтда Хонхожанинг катта ўғиллари Юсуфалихожа ва Юнусалихожа қачон бўлса ҳам отаси қони учун ўч олиш мақсадида ўтирган бўлиб, булар ҳам ана шундай қасосли дамлар етишганидан фурсатни ғанимат санаб, тезликда барча амирлардан олдинроқ жанг майдонига етиб бордилар. **Мисраъ:** Ғофил машав ба кор ки фурсат ғанимат аст (Ишдан ғафлатда қолма, фурсат ғанимат эрур); Ака-укалар пайт пойлаб турган маҳал Юнусхожанинг Ашт мавзесидан кўчиб, Гурумсарой мавзесига тушмоқчи бўлган вақти эди. Хўқандлик аскарлар чапу сўл томондан чиқиб, бўри ўзини қўйлар галасига урган каби шовқин кўтарганча душман устига ташландилар. Юнусхожа Хўқанд лашкарининг дарёдан ўтиб, у билан шу ерда уруш қилади деган фикрни хаёлининг бир бурчагига ҳам келтирмаган эди. Аммо қараса, бу ҳол рўй бериб турибди. Шунда бу янглиғ кутилмаган воқеа юз берганини кўриб, бошидаги банг нашаси бир газ нарироққа учиб кетди. **Мисраъ:** Ва он жумла хаёлхо ба як дам бигурехт (Жумладан хаёллар бир дамда учиб кетди); Ҳамиша ҳам чалпак ейиш имкони туғиладиган тўй бўлавермаслигига ишонч ҳосил қилиб, ноилож, тақдир тақозосига бўйсунганча жангга киришди ва ҳар икки лашкар денгиз каби тўлқинланиб, бир-бири устига ташланишди. Ботирлар қонидан Сайхун дарёси анор гулидек қизарди ва жанг майдони тупроғи хинога бўялди. Анча уруш-сўқишдан сўнг зафар насими амир Олимхон томонидан эсиб, Юнусхожа молу асбоб, сипоҳу хазинасини ташлаб, юрагида неча доғу ҳасрат билан қочиш қарорини ихтиёр айлади. Ул фалокатга тўла ҳалокат майдонидан не-не меҳнату машаққатлар гирдобидида беш-олти нафар *махрам*лари билан бирга зўрға қутулиб чиқиб, Тошканд томонга қараб қочди. Шошилинич бир равишда ўз қароргоҳига етиб олди ва шундан сўнг оғир бир касалга чалинди. **Байт:**

Доми шайтон аст дайни, дона лаззатҳойи нафс,
Мурғи дилро хирси дона зуд дар дом афканад.
[Тубанлик шайтон домидир, дона нафс лаззати,
Дил қушини дона хирси тез тузоққа туширади].

Амир Олимхон эса қувлаб бориб, Тошканд қўшинидан бир бўлагини ўлдиришди, анчасини асир олдилар. Амир Олимхон бу катта ғалабани ғайбий атолардан бирига йўйиб, улуғ фатҳ шукронасини адо этди. Ўша куниси Юнусалихожа ва Юсуфалихожа ҳамда Ражаб *девонбегининг* тожик амирлари мардлик намунасини кўрсатдилар. Шу билан амир Олимхон қатл ва ғорат ишидан тинчигач, музаффар ва мансур дарёдан кечиб ўтиб, Хўқанд тарафга қайтиб кетди. Ўз қароргоҳига келиб тушди. Бир неча кун давомида йўл ҳордиғини чиқарди. Юнусхожа бангининг қочгани таърихини мулло Муҳаммад Ғози *раис*¹⁴⁷⁸ жуда яхши айтган ва **таърих** ушбудир:

Дар дашти Гурумсарой амири сафдар,

¹⁴⁷⁷ Ашт – Тожикистондаги Суғд вилоятида ноҳия маркази.

¹⁴⁷⁸ Раис – бошлиқ, унинг вазифаси диний амалдор сифатида бозорлардаги нарх-наво, тарозиларнинг тўғрилиги, диний тартиб ва низомларнинг назоратидан иборат эди.

Юнуси хира сар ажаб разм ангехт.
Бигирифт сари душману таърихаш гуфт:
«Банги ба кунаш нигоҳ нокарда гурехт»
[Ғурумсарой даштида лашкар амири,
Боши хира Юнус ажаб уруш бошлади,
Душман бошин олди-ю, тарихин деди:
«Банги кету орқасига қарамай қочди»].

Амир Олимхоннинг Хўжанд мамлакатини эгаллагани зикри

Ўша пайтларда Бекмуродбекнинг Бобо *парвоначини* шаҳид қилиб, ўзи тахтга чиққани ҳақидаги хабарлар етиб келди. Амир Олимхон бу хабарни эшитиб, тўхтовсиз равишда сонсиз лашкар билан Хўжанд сари юзланди. Конибодом мавзесига етишган ўша маҳал, тарих санасининг ҳижрий 1221/1806-07 йили бўлиб, фақирнинг бобоси жаноб саёдат паноҳий Ҳаким Тўранинг вафоти хабари келди ва амир Олимхон олам аҳли шоҳзодаси амир Умархонга қайтиш учун рухсат берди. Ул шоҳзода тез суръат билан ўша кечасиёқ Хўқандга қайтиб келди ва эртаси куни саййидлар, уламо ва фуқаро бариси йиғилиб, катта издиҳом ва йиғи-сиғи шовқини остида алар тобутини кўтариб, ўзларининг хилхонасига олиб бориб, тупроққа топширдилар. Умри муддати қирқ саккиз йил бўлди.

Қитъа:

Он кист ки дил ниҳод, фориғ нишаст,
Пиндошт ки муҳлате ва тохире ҳаст.
Гў: хийма мазан ки мех мебояд канд,
Гў: рахт манеҳ ки бор мебояд баст.
[Ул ким эрур ки дил қўйиб, ўтирган бемалол,
Билгил, ҳар ненинг муҳлати, кечикиши бор,
Дегил: чодир тикма, чун миҳ урмоқ иши бор.
Дегил: кўчни ёйма, қайта йиғиштиришинг бор].

Алқисса, амир Олимхон мазкур манзилдан қаҳри сипоҳ билан Ражаб *девонбегини амири лашкар* қилганча олға буюрди. Ул соҳиби тадбир ва доно киши лашкарни тезлик билан тунда юргизиб, тонг отмасдан бурун Хўжанд дарвозасига етиб олиб, пистирма қўйишди. Дарвозабон фалакнинг ўйинидан беҳабар ғалаба дарвозасини улар юзи сари очди. Хўқандликлар ҳам айнан ана шуни кутиб ўтиришганди. Дарров ўзларини шаҳар ичкарасига урдилар ва қўлларини ўлдириш ва талон-торож учун чўздилар. Хўжанд шаҳри аҳолиси бу ғала-ғовур ва тўполондан ҳайратга тушиб, ҳар тарафга югурар эдилар. Бекмуродбий бу даҳшатли воқеадан воқиф бўлгач, дарҳол ўз қўшини билан Аркдан тушиб, шаҳар ўртасида жангга киришди. Шундай бир уруш ясадики, Фарғона лашкаридагилар ҳайратдан донг қотдилар. Анча жангу жадалдан сўнг Бекмуродбий қараса, иш қўлдан чиққан. Қайтиб, Аркка кирди ва ўқ-ёй, тўфанг отишга машғул бўлди. Амир Олимхон ҳам шаҳарга кириб келди ва Аркни узук қошидек ўртага олиб, уруш ва жангга киришди. Орадан шу зайл беш кун ўтгач, Бекмуродбий жуда қийин аҳволда қолиб, ўртага сулҳ ва яраш сўзини солди. Амир Олимхон унинг сўзини қабул қулоғи билан эшитиб, орада ярашув амалга ошди. Битимга кўра, Бекмуродбий кўч-қўлони ва молу бойлигини кўтарганча, Аркни бўшатиб, неча дарду ҳасрат билан Ўратепа сари юзланди. **Байт:**

Чун ба қуввати ҳарифу хасм наи,
Ҳийла ва макрро зи даст мадеҳ.
[Душманни енгишга кучинг етмаса,
Ҳийла ва макрни қўлдан берма].

Ва амир Олимхон Хўжанд шаҳри, яъни Хўжанд мамлакати келинчагини қаттиқ кучоғига босди. Бир неча кун Хўжандлик оҳу кўз ва пари чехраларни тўплаб, айшу ишратга машғул бўлди. Шамсиддин Ҳофиз Шерозий айтмишлар, **назм:**

Ҳофиз чу тарки ғамзаи хубон намекуни,
Дони кужост жойи ту Хоразм ё Хўжанд.
[Ҳофиз, гўзаллар нозини тарк этмасанг,
Биласанми, жойинг Хоразм ё Хўжанд].

Амир Олимхон ул вилоят бошқарувини Холиқкул мирзо зиммасига юклади ва ўзи фатҳу нусрат билан Хўқанд томонга қайтди. Хўқандга етгач, мамлакат ишлари билан машғул бўлди.

Бир неча вақт ўтиб, амир Ҳайдар подшоҳнинг Бухоро лашкари билан Ўратепа яқинига кириб келгани, Бекмуродбий бухороликларга қарши чиққани, аммо, жангда енгилиб, асир олингач қатлга еткани, Бухоро амири Ўратепани Эрназарбий манғитга бериб ва Бухоронинг барча амирзодаларини ўша ерда қолдириб, ўзи Бухорога қайтиб кетгани ҳақидаги хабарлар келди.

Амир Олимхоннинг Ўратепа мамлакатини Аллоҳи талонинг унга нисбатан меҳрибонлиги орқасида бир ҳамла билан фатҳ этгани зикри

Амир Олимхон мазкур хабарни эшитгач, дарҳол Фарғона лашкари билан Ўратепага юзланди. Бир неча масофани босиб ўтиб, Хўжанд вилоятига кириб борди. У ердан кўзғалиб, Оқсув мавзесига қўш ташлади. Эртаси куни жаҳонни куйдирувчи офтоб мамлакат олувчининг қиличи ёғдусидан айлана деворли қалъа ҳимоячилари кўзини қамаштириб, осмон Жамшиди¹⁴⁷⁹ бўлмиш ялтироқ хуршид ўз шўъласи билан фатҳ нурларини гардуннинг феруза рангли қалъаси юзи узра таратгач, амир Олимхон томонидан «юлдузлар сонича лашкарли амирлар олий мартабали шоҳзода амир Умархон ва Ирисқулибий кўчак ва Раҳмонқулбий ва Абдулвали мирзо ва Ражаб *девонбеги* ва Холиққул мирзо ва Жумъабой Қийтоқий билан бирга кўшиннинг катта қисмини олиб, қалъа деворигача илгари юриб, у ерни зафар оқибатли чодир тикиш жойига айлантисинлар ва мўлжчаларни тақсимлаб, тўла жаҳду жадал билан қамал, уруш ва жанг ишига киришсинлар» деган мазмундаги қуёш шўълалаи фармон содир бўлди. Ҳақиқатдан ҳам бу қалъа жуда баланд ва мустаҳкам бўлиб, Хайбар тоғи¹⁴⁸⁰ ва Искандар тўғони¹⁴⁸¹ га ўхшарди, атрофидаги чуқур хандақи қарам аҳлининг химмат майдони каби кенг ва қирғоқсиз эди. **Маснавий:**

Қазо кунгураашро зи буржи Зухал,
Ба боло оварда чандин маҳал.
Таҳи хандақаш аз замин дар мағоқ,
Ду чандон ки аз чарх то рўйи хок.
[Тақдир кунгурасин Зухал¹⁴⁸² дан ҳам,
Кўтарди бир неча бор юксакка.
Чуқури ковланиб ердан ғор каби,
Осмондан то ергача масофа ила].

Алқисса, нусратпаноҳ сипоҳ ул баланд дастгоҳ қалъани доира қилиб қуршаб олди ва қалъа олиш қуроқларини сошлаб, аррода ва манжаниқ ўрнатдилар. Амир Олимхон ҳам мазкур ердан кўчиб, Истравшан¹⁴⁸³ қалъасига қўш ташлади. Эртаси куни икки тараф қўлларини ўқ-ёй ва тўфанг отиш сари чўзиб, қамал ва уруш ишларига киришдилар. Чакмоқ камонлари гулдираб, жасурлик аҳли хирманига ўт кўйди, ўқ бургути камон ошёнасидан учиб чиқиб, паҳлавонлар димоғи саройини ўзига уя қилди. Жанг шу тарика қизиб, ҳар икки томондан ҳам нечалар ўлим билан юзлашдилар. Бора-бора қалъа аҳлининг аҳволи оғирлашиб, ғаму кулфат ичра қолишди. Амир Олимхон фатҳ эшикларининг ўзи сари очилишини англади ва шунга кўра «Фарғона лашкарининг бариси қуроқланиб ва отланиб, ҳар тарафдан жанг ва қахрамонлик учун шай турсинлар, чунки, энди буёғига ҳал қилувчи султонлик уруши бўлажак», дея буйруқ берди. Сипоҳилар унинг олий фармонига амал қилиб, амир Олимхоннинг фармойишини кутиб туришди.

1221 йил савр ойининг ўн бешинчиси шанба/1806 йил 4 май куни чоштгоҳ маҳали амир Олимхоннинг ўзи отланиб, қалъа сари юзланди ва лашкарига уруш учун оқ фотиҳа берди. Ул жасур ва қасос нафасли жангчилар оч бўрилардек шовқин-сурон солиб, кўрғон томон йўналдилар ва бир ҳамладаёқ шаҳар ичига кириб олдилар. Шаҳар ичида чунонам уруш бўлдики, ўликлардан тепаликлар ҳосил бўлди ва лашкар аҳлининг иши фақат «ўлдир, бос-ол» бўлди. Худди, қамишзорга ўт кетгандай, хўлу-қуруқ барабар ёнди. **Байт:**

Оташеро ки сўхт халқ аз он,
Жуз ба куштан илож натвон кард.
[Халқ оловни ёқса, ундан қочиб эмас,

¹⁴⁷⁹ Эрон давлатига асос солган афсонавий шоҳ Жамшид бошқа шоҳлар ичида баланд мартабали шон-шавкат эгаси, базму-ишрат, Наврўз каби байрами ижодкори ва унинг май жоми оламини кўрсатувчи кўзгу сифатида талкин этилади. Бу ерда қуёшнинг баланд мартабасига ишора қилинмоқда.

¹⁴⁸⁰ Хайбар тоғи – Ҳиндистон йўлидаги тоғ ва давон номи.

¹⁴⁸¹ Искандар тўғони – садди Искандарий. Ривоятлар бўйича бу мустаҳкам тўғон Яъжуж ва Маъжужларга қарши бино этилган.

¹⁴⁸² Зухал (Сатурн) сайёраси Наҳс юлдузи бўлиб, осмоннинг еттинчи, яъни, энг баланд табақасида жойлашганига ишора

¹⁴⁸³ Истаравшан – қаранг: Ўратепа.

Фақат ўлиб қутулиш мумкин, холос].

Ва амир Олимхон ҳам шаҳар ичкарасига кирди. Фарғона қўшини манғит амирларини асир олиб, амир Олимхон олдиға келтирдилар. Улар орасида шу вилоят ҳокими мулло Эрназарбий ва унинг ўғли Пирназарбий, Бекмурод *парвоначи*, Ҳаким *қўшбегининг* укаси Қобилбий *иноқ* кабилар бўлиб, Бухоронинг бошқа кўплаб амир ва амирзодаларини кийим-бошсиз яланғоч ҳолда судраганча неча хорлик-зорликлар билан амир Олимхон олдиға келтириб, бир ерга йиғиб турдилар. Йиғилганлар сони уч минг кишиға етди ва бу урушда тирик қолганлар энди амир Олимхон фармони билан қатлга етадиган бўлишди. Ўша пайтда қиблагоҳим амир Олимхон ҳузурида ҳозир эдилар ва бундай фармон хусусида амир Олимхонға қараб, «Шунча кишини ўлдириш ҳақида фармон бердингиз, ўзингизға маълумки, буларнинг кўпи амир Ҳайдар подшоҳға яқин амирлардир. Агар уларни ўлдиргандан кўра, бир неча кун ҳибсда сақласангиз, бу жиҳатдан амир Ҳайдарнинг кўнглиға кўпроқ оғриқ тушади. Агар ўлдирсангиз бир-икки кун куйинади, холос, сўнг тезда унутади. Шунинг учун бу амирларни тутқунликда ушлаш дегани, амир Ҳайдарни доимий ғам-ғусса ва изтироб гирдобига ташлаш деган гап бўлиб, туну кун эзилиб, юраги сиқилаверади. Яхшиси шуки, душманни кўпроқ изтиробда қолдириб, умриға завол бўлмоқ афзалдир». **Байт:**

Фикри дурандеши оламгири ў дар як нафас,
Корҳо созад ки натвон кард дар умре чунон.
[Олам олишликнинг узокни кўзловчи фикри,
Шундай иш қиладики, бир умр бунингдек бўлмас].

Бу сўз амир Олимхонға ёқиб тушди ва бухоролик амирларни ўлдирмак райидан қайтди. Жаноб қиблагоҳимнинг бу ишдан мақсади шу йўл билан мусулмон умматини ўлимдан сақлаб қолмоқ эди. Шундан сўнг амир Олимхон Ўратепани ўз тасарруфига киритди. Фақирнинг таваллуди ҳам айни ўша чоғда рўй берган ва бу ҳақдаги суюнчи- хабарни чопар ўша фатҳ куниси етказган экан.

Амир Олимхон Ўратепаға Некқадам *иноқни* ҳоким қилиб, мулло Раҳматулло ва Маҳмуд *оталиқни* ҳам унинг хизматида қолдирди ва ўзи қайтиш жilовини Хўжанд сари бурди. У ердан эса Хўқандға қайтди. Давлатхонасига етишгач, қўшин ишларига тартиб-низом ва бошқа ҳарб юмушлари учун киришди. Бир неча вақт шу зайл ўтди.

Амир Олимхоннинг Жиззах вилояти томонға қўшин тортиб боргани, аммо, мақсадиға эришмасдан орқаға қайтгани зикри

Ўша пайтда амир Ҳайдар подшоҳнинг Бухоро лашкари билан келиб, Ўратепани қамал қилгани хабари эшитилди. Амир Олимхон бу хабарни эшитган заҳоти Фарғона лашкари билан ўша томонға қараб юрди. Бир неча масофани босиб ўтгач, Хўжанд вилоятиға етишди ва амир Ҳайдар подшоҳнинг Ўратепани қамал қилгани, аммо, одамларининг кўпи ҳимоячилар ўқиға учиб, қўшин аҳли юрағига нечукдир кўркув тушгач, Бухороға қайтиб кетгани маълум бўлди. Амир Олимхон бу сўзлардан сўнг дарҳол тез суръатда Ўратепа вилоятиға кириб борди. У ердан чиқиб, бир неча йўл босиб, Жиззах қалъаси яқиниға келиб тушди. Қалъани узук қоши каби қуршовға олиб, қамал ва уруш ишиға машғул бўлди. У пайтда Жиззах вилоятида Ҳаким *қўшбегининг* укаси Абдурасул *додхоҳ* ҳоким эди, бу ҳоким ҳам қалъа сақловчилик ишини бекаму-кўст бажо келтириб, қамалчилар устиға ҳеч аямасдан ўқ ва тўфанг ёмғирини ёғдирди. Эгри юргувчи фалак ҳам яна бир ўйинни бошлаб юборди. Гапнинг қисқаси шуки, амир Олимхон кўнглиға ҳеч нарсани келтирмасдан, яъни хотири сари бирон шубҳа-андиша йўл топмасдан, олам аҳли шоҳзодаси амир Умархон ўтирган қўшға борди ва мажлис чақирди. Амир Олимхон ёнидаги лашкар аҳли унинг ўз жойида йўқлигини кўриб, нечукдир юракларига кўркув йўл топди ва амир Олимхонни ахтариб топиш фикриға тушдилар. Буни кўрган лашкарнинг бошқа *сардору* аскарлари юрагини ҳам ваҳима босди. Амир Олимхон тақдирнинг бу ўйинидан хабар топиб, ўзининг ўйламасдан босган қадамидан пушаймон бўлди ва ўйға чўмиб, хайронлик ичида ушбу **байт**ни ўқиди:

Ҳар ки бефикр ва таани амале гирад пеш,
Охируламр аз он карда пушаймон гардад.
[Ким ўйламасдан бирор ишға қўл урса,
Сўнг бу ишнинг пушаймонлиги оламға сиғмас].

Дарҳол амир Умархон ҳамроҳлигида отланиб, ўз чодирига келди ва катта қилиб олов ёқишни ва ашулачиларға баланд овоз билан ашула айтишни буюриб, шу йўл билан одамларнинг «амир ўз жойида ўтирибди» деб ўйлаб, юракларидаги кўркувни чиқариб ташлашиға эришмоқчи бўлди. Худди шундай қилишди. Ўшандай бўлса ҳам ор-номус ва шижоати борлари амир олдиға келишди,

андишасизлик йўлига кирганлари эса қайтишни ихтиёр этдилар. Ва амир Олимхон ўша кечаси одамлари оз қолган эса-да, довюрлик ва ботирлиги юзасидан ўрнидан жилмай, шу ерда қолди. Эртаси куни секин-аста Ўратепа томонга қайтди. Ул вилоятга етгач, бу вилоятни сақлаб турмоқ осон эмаслигини англаб, ноилож Ўратепани холи қолдирди ва икки манзил йўл юриб, Хўқандга кириб келди.

Айтиш лозимки, ўша амир Ҳайдар подшоҳ Ўратепа қамалида юрагига алланечук ваҳима тушиб, қамални ташлаб Бухорога қайтиб кетган пайтлари Ражаб *девонбеги* амир Олимхондан ҳадиксираб, амир Ҳайдар подшоҳга қўшилган эди. Шундан сал олдинроқ Каттақўрғондан Худоёр валинеъматнинг жияни қадрли акам саййидлик паноҳи Маҳмудхонхожага ёрлик бериб, Сангзор қалъасига юборган эди ва ул саййидлик паноҳи ана шундай фурсатни кутганча пайт пойлаб ўтирарди. Амир Олимхоннинг Ўратепани холи қолдиргани хабарини эшитган заҳоти, **Мисраъ:** Гофил машав зи кор ки фурсат ғанимат аст (Ишдан гофил бўлма, қулай вақти етган); Сангзордан отланиб чиқиб, тезлик билан Ўратепага кириб олди ва ул вилоятни ўз тасарруфи доирасига киритди.

Амир Олимхоннинг Ўратепа устига қўшин тортгани зикри

Келгуси йили амир Олимхон Фарғона лашкари билан Ўратепа томонга юзланди. Уч манзилни босиб ўтгач, Хўжанд вилоятига кириб борди. Икки кундан сўнг у ердан қўзғалиб, бир манзиллик йўлни ўтгач, Ўратепа вилоятида қўш ташлади ва ул мамлакатни паргор чизиги каби айланасига ўраб олиб, қамал ва уруш ишига киришди. Қимматли акам саййидлик паноҳи Маҳмудхон ҳам қалъа сақловчилик шароитларини қўлидан келганча бажариб, ўқ ва тўфанг отишга тушди. Ҳар куниси қасоскор жангчилар ҳар икки томондан муҳориба бозорини қиздириб турдилар. Бир нечалари қилич зарби сабабли дорилфанодан дорилбақога юзландилар. Қамал муддати чўзилиб кетди, саййидлик паноҳи Маҳмудхон амир Олимхон ҳузурига ўз элчилари орқали яхши сўзлар ва дилкаш маъноларни айттириб юборди. Амир саййидлик паноҳи сўзларини маъқул тутиб, ярашув шартларини бажо келтирди ва оти жоловини Хўжанд сари бурди. Ул вилоятга кириб, бир неча кун айшу ишрат билан вақти чоғлик қилди. У ердан қўзғалиб, Хўқандга қайтиб кетди ва йўл юриб, юртига етди. Лашкарга тартибу низом бериш ишларига киришди. Ўша аснода Юнусхожанинг дорилбақодан охират уйига кўчиб ўтгани хабари етди. Бу хабарни эшитган амир Олимхон Тошканд томон юриш учун қўшинни тайёрлашга тушди, аммо, анча маслаҳату машвартдан сўнг ўзининг бу пайтда қўшин тортди, бирон ерга чиқишини маъқул топмай, фикридан қайтди ва бу иш учун боришни олам аҳли шоҳзодаси амир Умархон ва Хўқанд амирлари билан лашкари зиммасига юкледи. Хайрлашув чоғи укасини лутф оғушига олди ва юз-бошидан ўпиб, кўзларидан ёш оқизди. **Назм:**

Жудойи зи ў бар дилаш сахт буд,
Ки ў зевари афсару тахт буд.
Талаб карду гирифт андар бараш,
Ба сад меҳр бўсид чашму сараш.
В-зи он пас бурун омада пеши шоҳ,
Чу шери жаён рў ниҳода ба роҳ.
Равон гашт шаҳзода бо лашкаре,
Ба рўзи дағо ҳар яке сафдаре.
Амирони Фарғона хайли сипоҳ,
Ки чун ҳола мерафт бар гарди моҳ,
Ба чандин тажаммул ҳамерафт соз,
Чу мерафт шаҳзодаи сарафроз.
Зафар ҳаминон нусраташ раҳнамой,
Зи гарди сипоҳаш ҳаво мушксой.
[Ундан айрилиши жуда қийин эди,
Ки ул тахту тожнинг беагаи эди.
Чорлади ва олди ёнига,
Юз меҳр билан ўпди кўз ва бошидан.
Сўнг шоҳ олдидан чиқди ташқари,
Ўқирган шер каби йўл сари юзланди.
Йўлга тушди шоҳзода лашкар билан,
Уруш куни ҳар бири бир қўмондон.
Фарғона амирлари сипоҳ хайли,
Ой атрофида ҳола юрган мисоли.

Неча бир ҳашамат, савлат ила юрарди,
Чун кетарди сарафроз шоҳзода.
Зафар жиловдори, ғалаба йўл бошловчи,
Сипоҳи оёғин чангидан фазо бўлиб мушксой].

Шоҳзода Умархоннинг Тошканд томонга лашкар тортгани зикри

Ул шахриёрлик денгизининг дур-гавҳари акаси хизматидан кетишга рухсат олгач, Тошканд вилояти сари юзланди. Сайхун дарёсидан кечиб, довон йўли билан юрди ва неча меҳнат ва машаққатда тоғдан ўтиб, Қурама вилоятига кириб бордилар. У ердан ўтиб Оҳангарон чўлига қўш ташлашди. Эртаси кечқурун у ердан шабгир, яъни тунги юриш билан Чирчиқ дарёсидан ўтиб, тонг оқаришдан бурун эл-улус устига етиб келишди ва торожу яғмога қўл чўзишди. Бир нечаларни қатлга етқариб, кўпларни асир олишди. Ўша пайтда Юнусхожа ўрнига катта ўғли Султонхожа амирлик тахтида ўтирарди. Бу ваҳимали хабарни эшитиб, ул иш кўрмаганнинг бошидан ҳуши учди. Бу ҳалокат қаъридан қандай қутулиб чиқишни билмай қолди. Анча ўй ва фикрлардан сўнг амир Умархон ҳузурига доно элчиларни юбориб, тақдирга тан берганча, таслимга рози бўлди. Амир Умархон ҳам унинг сўзларини қабул қулоғи билан тинглаб, гуноҳидан кечди ва элчисига олий тўн кийгизиб, унинг ёнига ўз элчисини қўшиб юборди. Элчилар ул бахти қайтган олдига бориб, бўлиб ўтган гапларни баён қилишди. Аммо, ул бедавлатнинг олдинги сўзидан қайтгани ва фикри ўзгарганини кўришди. **Байт:**

Ҳеч оқил назанад теша ба пойи ором,
Аз биҳишт он ки барун омадааст одам нест.
[Ақлли одам ўзи ўтирган шохга болта урмайди,
Беҳишти ташлаб чиққан киши одам эмас ўзи]

Ва ул тадбир ва укуви йўқ хожа қаршилиқ довулини чалиб, неча бир дабдаба билан Тошканд лашкарини шаҳардан ташқари олиб чиқди ва сафларни тўғирлади. Амир Умархон унинг лашкар билан чиқиб келаётганини эшитгач, у ҳам лашкарни тартибга келтирмоқ билан машғул бўлди. Ҳар икки қўшин денгиз тўлқини каби кўпириб-тошиб ҳаракатга келди ва бир-бири устига ташланди. Қасоскор ва урушқоқ жангчилар кўкрак ёрувчи ўткир ханжарлар билан бир-бирининг жигарини тилка-тилка қилардилар. Шундай бир уруш бўлдики, Рустаму Исфандиёр¹⁴⁸⁴нинг кураши достони халқнинг эсидан чиқди, жанг майдони тупроғи эса довюрақлар қонидан Бадахшон лаъли тусига кирди. **Байт:**

Бо бахти нек ҳеч касро ситез нест,
Меҳри арўси малак ба жуз теғи тез нест.
[Бахти қутлуғ одамга ўлим, азоб йўқ,
Малак келини қуёшда ўткир тиғдан ўзга йўқ].

Анча уруш ва жанглардан сўнг ғалаба юлдузи олам аҳли шоҳзодаси Умархон томонидан балқиб чиқди ва Султонхожанинг юлдузи қуйи сари энди. Тошканд қўшинидаги аскарлар қочиш сари юзландилар, Фарғонанинг зафар аломатли лашқари эса уларни қувлаб бориб, душманнинг бир бўлагини ўлдириб, анчасини асир олди. Шу «ушла-тут» чоғи иттифоқан Султонхожанинг оти сунчикиб кетиб, йиқилди ва ул бахтсиз хожа ҳам от эгарининг хонасидан чиқиб, ер тубан қулади. Хўқандлик сипоҳилардан биттаси бу ҳолни кўриб қолиб, дарҳол ул бахти қайтганнинг устига келди ва ушлаб, амир Умархон ҳузурига олиб борди.

Ва шоҳзода Умархон бу улуғ ғалабани яхшиликка йўйиб, ғайбдан ато этилган илоҳий неъмат ўрнида кўрди ва қўшинни Тошканд томонга бошлаб кетди. Тошканд амирлари Султонхожани бу аҳволда кўриб, иш қўлдан чиққанини англашди. Дарҳол Султонхожанинг укаси Ҳомидхожани амирлик маснадига ўтқазилди ва қалъа сақловчилик шароитини қандай лозим бўлса, шу тахлит ўз ўрнига қўйиб, ўқ ва тўфанг отишга тушдилар. Амир Умархон вазиятни бу янглиғ кўргач, истак келинчаги осонликча қўлга кирмаслигини сизди ва қайтиш жиловини Ниёзбек¹⁴⁸⁵ қалъаси сари бурди. Ниёзбек қалъаси Тошканд дарёси бошида жойлашган ва Тошканд шахрининг калити ҳисобланган ҳамда мустаҳкамликда тилларга тушиб, машҳур бўлган бир кўрғондир. Унинг баланд буржига куш учиб чиқишдан ожизлик ва хаёл арқони кунгураси тепасига етишдан қисқалик изҳор қилади. Тепаси

¹⁴⁸⁴ “Шоҳнома” асари қахрамонларидан бири.

¹⁴⁸⁵ Ниёзбек қалъаси – Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида барпо этилган Кўконнинг истехкоми. 1865 йили рус аскарлари томонидан бузиб ташлаган.

узра учувчи қушлари малакий авж қушлари билан ҳамроз, тагидаги чуқур хандақининг балиқлари ерни кўтариб турган сигиру наҳанг билан дамсоз. **Маснавий:**

Ҳисоре дар баланди рашки афлок,
Ба бемисли мисл дар хиттаи хок.
Забони кунгурааш ҳамрози анжум,
В-зи ў қосир каманди ваҳми мардум.
[Баландликда осмон рашкин келтиргувчи қалъа,
Ер юзида унга ўхшаши сира топилмас.
Кунгураси тили юлдузлар билан сирдош,
Халқнинг ваҳм каманди ҳам етмас унга].

Хуллас, амир Умархон мазкур қалъа яқинига келди ва бу қўрғонни узук қошидек ўраб олди. Бир кеча-ю, кундуз ул мустаҳкам қалъани шундай қамал қилдики, ичидаги аҳолиси жуда қийин аҳволда қолди, бироқ, шунга қарамай, ўқ ва тўфанг отишдан қўл тортмадилар. Эртаси куни шоҳзода Умархон барча лашкарига яна бир бор оқ фотиҳа бериб, жангга ундади. Шундан сўнг Фарғона қўшини бир ҳамлада қалъа ичига кириб олди ва сипоҳилар қўлларини ўлдириш ва ғорат сари чўздилар. Шоҳзода Умархон шу зайл ул тош-метиндек мустаҳкам қалъани қўлга киритди ва у ерга урушқоқ сипоҳиларидан бир нечтасини қўйиб, ўзи қайтиб, Тошканд шаҳри сари юзланди. Ҳомидхожа ва Тошканд амирлари бу ҳолни кўриб, ҳайронликда бошлари қотиб қолди. Амир Умархоннинг ишларига таҳсин ва офаринлар айтишиб, ўз ишларига киришдилар.

Ниҳоят, Ҳомидхожа ул шоҳзода ҳузурига янгидан элчи юбориб, ўзининг хизматда турмоқ ва итоат этмоқ ниятини изҳор қилди. Шоҳзода унинг сўзини «Ҳомидхожа бизнинг олдимизга келиб, биз билан юз кўришса, ўшандагина унинг гуноҳидан ўтамиз, бўлмаса йўқ», деган шарт билан қабул қилди. Ҳомидхожа бу хабарни эшитиб, жон-дили билан қабул қилди ва эртаси куни ҳар иккаласи ўз қўшинларини сафга тиздилар. Шоҳзода Умархон хушхиром отига миниб, майдон сари юзланди, у тарафдан ҳам Ҳомидхожа келиб, ул шоҳзоданинг қўлини ўпиш шарафини топди. Олий мартабали шоҳзода тўла лутф ва марҳамат билан уни бағрига босиб, ўзининг подшоҳона меҳрибонлигига сазовор этди. Тошканд вилоятини ўзига ҳавола қилиб, ўзи Курама томонга қайтиб кетди. Кировчи¹⁴⁸⁶ мавзесига етиб борди ва у ердан ҳам қўзғалганча тоғ довоидан не машаққатлар билан ўтиб, дарё қирғоғига келиб тушди. Эртаси куни Сайхун дарёсидан кечиб, ўз қароргоҳига етишди ва амир Олимхон ҳузурига кўруниш берди. Амир Олимхон укасини бағрига босиб, подшоҳона меҳрибонлик ва хусравона лутфлар кўргузди. Фарғона ҳокимлигини ул олий мартабали шоҳзодага топширди. Шоҳзода акаси ҳузуридан чиққач, Марғинон вилоятига борди ва амирлик тахтига ўтирди. Ул мамлакат келинчагини қаттиқ бағрига босганча, адолат билан ҳукм юргизди. Хос ва авом тилидан эса ушбу қитъа жорий бўлди. **Қитъа:**

Илоҳо, то жаҳонро обу ранг аст,
Фалакро сайру гетиро даранг аст.
Мумтаъ дораш аз умри жавони,
Зи ҳар чизаш фузун дех зиндагони.
[Илоҳо, то турар экан бу жаҳон абад,
Осмон сайр этиб, жаҳон айланаркан.
Ёшлик умридан ризқу насиба бер,
Нени истаса андин мўл қил ҳаётин].

Ўша йили 1220/1805-06 санаси бўлиб, Андижон ҳукумати амир Олимхоннинг тоғаси Раҳмонқулибекнинг қўлида эди. Унинг иффат пардаси ортида ўтирган Моҳлар ойим исмли бир қизи бор эди. Амир Олимхон ул хонимнинг шоҳзода амир Умархон никоҳига киришини истаб, шунга кўра, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир тўй ўтказди. Улуғ бир дабдаба билан қиблагоҳимни тўйбоши қилиб, Андижонга боришини буюрди. Жаноби қиблагоҳим амир Олимхон олдидан чиқиб, Марғинон тарафга кетди. Амир Умархон бу хабарни эшитгач, ўз амирлари билан отамни кутиб олди. Эртаси куни жаноби қиблагоҳим Умархонни куёв ясаб, Андижон томонга равона бўлди. Буларнинг келаётгани хабарини эшитган Раҳмонқулибек олдларига пешвоз чиқиб, ўз саройига келтириб туширди ва меҳмондорчилик ишларини адо этди. Этаси куни шаҳарнинг қози ва ислом уламолари ва бошқа улуғлари йиғилиб, салтанатнинг бахтли бир соатида ва амирликнинг Нохид даражалик они¹⁴⁸⁷ да никоҳ ўқилиб, бир неча кун давомида тўй-томоша, айшу ҳузур палоси ёйилди. Шоҳзода

¹⁴⁸⁶ Кировчи – Курама мулкининг маркази бўлган. Тошканд вилояти Пскент туманидаги қишлоқ. “Гулистон” жамоа хўжалиги таркибида.

¹⁴⁸⁷ Юнонлар ишқ худоси ва шарқда соҳибжамол аёл сифатида талқин этилган Нохид (Зухра, Венера) юлдузи шод-хуррамлик рамзи ҳам саналиб, бу ерда шунга ишора қилинмоқда.

амир Умархон эса шу айёмда шодлик ва мақсади ҳосиллик кўзи билан ул нозик бадан жононага тикилар ва гул юзли соқийлар кўлидан хуш таъмли бода жомларини симирар, Андижон шаробларидан лаззат олиб, қувонч гулзорини ана шу қирмизи шароб билан суғорарди. Хуллас, шоҳзода амир Умархоннинг дили ғунчаси гулгун очилган, ёқимли товушли муғанний дилни эркаловчи товушини нағмасоз Ноҳид қулоғига етказиб, ҳол тили билан ушбу мақолга мутаранним бўлганди. **Назм:**

Соқи биёр бода барафрўз жоми мо,
Мутриб бигў ки кори жаҳон шуд ба коми мо.
Мо дар пиёла акси рухи ёр дидаем,
Эй беҳабар зи лаззати шурби мудоми мо.
[Соқий, келтир бодани, май сун жомимизга,
Мутриб куйла, жаҳон иши бўлди мақсадимиз каби.
Биз пиёлада ёр аксин кўрганмиз,
Эй биз доим ичган нарса лаззатидан беҳабарлар].

Амир Умархон бир неча кунни айшу ишрат ва қувонч билан ўтказди. Шундан сўнг Марғинон томонга юзланди. Иттифоқан, ўша пайтда Қамар¹⁴⁸⁸ Ақраб¹⁴⁸⁹ да бўлиб, Зухал¹⁴⁹⁰ Миррих¹⁴⁹¹ томон қараб турарди¹⁴⁹² ва ул ифбат паноҳ ана шундай бир кунда шоҳзода Умархондан ҳомила бўлди. Ҳомила юкидан бўшаниш вақти соати етишиб, унинг қорнидан бадбашара бир фарзанд тушди. Ул замоннинг юлдузшунослари боланинг кавкабини мутолаа қилиб, толеъсида ёмонлик аломатидан бошқа нарсани кўрмадилар. Агар бу бола камолга етса, ундан дин ва дунё ишларида кофир ҳам қилмаган, мўъмин ҳам қўл урмаган нарсалар содир бўлажак, деган фикрга келдилар. Шу сабабли номини энг яхши исмлардан бўлмиш «Муҳаммадали» деб атадилар. Бу орқали эса шу икки яхши ном шарофатидан зора солиҳлик йўлида юрса, деган умидлари бор эди. Аммо, «бахтли бола онаси қорнида бахтли, ёмони она қорнида ҳам ёвуз бўлади», деган ҳикматни билмадилар. **Байт:**

Сифати зишт нахезад зи некў кардани ном,
Мард набувад зан агар ном ниҳандаш «Ҳайдар».
[Яхши ном қўйган билан яхши сифат ҳосил бўлмас,
«Ҳайдар»¹⁴⁹³ деган исм берган билан хотин эр бўлмас].

Ва ўша пайтда амир Олимхон катта ўғли Шаҳрухбийга Чуст вилоятини инъом қилди. Ул шоҳзода отаси ҳузуридан руҳсат олиб чиққач, дарёдан кечиб ўтиб, Чуст вилоятига етишди ва амирлик мансабига ўтириб, юрт ишларига киришди.

Амир Олимхоннинг Ўратепа томонга лашкар тортгани зикри

Бир неча айём шу тариқа ўтгач, амир Олимхон яна саййидлик паноҳи Маҳмудхожанинг таъзирини бериб қўйишни истаб қолди.

Гапнинг қисқаси ушбудирким, макур воқеадан олдин ҳам ўн бир маротаба Ўратепа устига лашкар тортиб, ул вилоятни жуда қийин аҳволга солиб қўйганди. Бу воқеалардан ҳар бирининг хулосасини айтсак ҳам гапимиз узоққа чўзилиб, эшитувчилар кўнглига малол келиши мумкин. Шунинг учун бу фақир сўзни қисқароқ қилдим. Хуллас, амир Олимхоннинг бу галги Ўратепага юриши ўн иккинчи ҳарбий сафари бўлиб, гапни ўшандан бошлайман.

Гапнинг пўст калласи шуким, амир Олимхон Фарғона мамлакатларининг барчасида жар чақиртириб, бу урушнинг «қилқуйрук» юриши экани, яъни, кимнинг бирор мингудек улови бўлса, шуни миниб чиқиши лозимлиги, агар ким бу ғалаба аломатли юришдан ўзини четга олса, моли талонда ва жони гаровда бўлажагини билдирди. Бу гапдан сўнг шундай кўп лашкар йиғилдики, на тоққа сиғарди, на даштга.

Алқисса, неча бир шон-шавкат билан отланиб, кўзланган мақсад сари йўналди. Уч кўч манзилдан сўнг Хўжанд вилоятига кириб борди. У ердан бир кўч йўл юриб, Ўратепа қалъасини узук

¹⁴⁸⁸ Бу ерда Ойнинг Ақраб (Чаён – октябр-ноябр) устида бўлиши ҳам вақт, ҳам совукли кунлар бошланиши саналган куз фасли орқали келажакда ёмон ҳодисалар рўй беражагини англатилмоқда.

¹⁴⁸⁹ Ақраб (Чаён) буржи.

¹⁴⁹⁰ Зухал (Кайвон, Сатурн) сайёраси.

¹⁴⁹¹ Миррих (Марс) сайёраси.

¹⁴⁹² Зухал (Сатурн)нинг Миррих (Марс, Баҳром) томонга қараб туриши ушбу наҳсли куннинг тўс-тўполон, урушли замонлар сари йўналишини англатади.

¹⁴⁹³ Шер дегани. Мардлик тимсоли бўлмиш ҳазрат Алининг лақаби.

қоши каби доира ўртасига олиб, камал ва уруш ишларига киришди. Саййидлик паноҳи ҳам қалъа сақловчилик ишларини адо этиб, ўқ ва тўфанг отиб, кўрғонни ҳимоя қилиш билан машғул бўлди. Эртаси куни амир Олимхон қалъани эгаллаш учун ясаган арава ва манжаниқларни олдинги чиқариб, орқасидан лашкар аҳлини юритганча ҳамлага ўтди. Яна бир тарафдан қалъани тўп ўқлари остида қолдириб, тўпхона ғилдирагини кўрғон сари жилдирди. Қўшиннинг ювонғоридаги шохзода Умархон, Ирискулбий Кўчак, Жумъабой Қийтоқий ва бошқа амирлар қалъа сари юзланиб, жувонғор томондан шохзода Шаҳрух, Раҳмонқулбек, Холиққул мирзо ва бошқалар ҳамлага ўтишди. Ўша куни уруш олови шундай гуриллаб ёндики, каллалар човгон тўпидек майдонда ҳар тарафга учар, кўтарилган қўллар кесилиб, ҳар ён сочилиб ётар, ўлим ёмғири гўё оламини босган эди. Ҳар икки томондан ҳам жуда кўп одамлар охират манзили сари юзландилар. **Байт:**

Чу шерон жанге баровехтанд,
Сипоҳон дар он дашт хун рехтанд.
[Шерлар каби бир уруш қилдилар,
Сипоҳлар ул даштда қон тўкдилар].

Анча уруш ва жанглардан сўнг амир Олимхон қалъани осонликча эгаллаб бўлмаслиги ва қалъа аҳлининг таслимга шунчаки тан бермаслигини сезиб, жанггоҳ четидаги чодирига қайтди. Уруш эса давом этар, ҳар куни довурак баҳодирлар ўз қонлари билан майдонни қизил рангга бўяр эдилар. Қамал муддати ўн саккиз кунга чўзилди. Ўша пайтда жаноби эшон Султонхон акалари олдида эдилар. Ул жанобдан шу қадар улкан ишлар амалга ошди. Бўлмаса, бу вазиятда тулкининг шер билан ўйин қиладиган, саъванинг тўфанг қошида турадиган вақти эмас эди. Ундан ташқари шаҳарда очарчилик бошланиб, фақир кейинчалик жаноб қиблагоҳим эшон Султонхон ва қимматли оғам Маҳмудхон тилидан ўшанда бисотимизда егулик бирон нарса қолмагани, очликдан тинкамиз қуригани ҳақида бир неча бор эшитган эдим.

Бир куни навкарларимиздан биттаси бир ман буғдой келтирди, у гўё олдимиздан бир неча ман жавҳар ўтқарган, яъни тортиқ ва совға қилгандай бўлди. Эшонлар оти дарахт пўстлоғини еяр эди. Ўша пайтда Жиззах томондан Ражаббек *додхоҳ* манғит минг нафар жасур кишиси билан шабгир уриб, Ўратепа сари юзланди. Аммо, ярим йўлда лашкарининг юрагига ваҳима тушиб, барчаси қочиб кетибди. Натижада, ёнида қочмай қолган юз кишиси билан тун ярмидан оққанда ҳар ҳолда билдирмасдан ва мардлик кўрсатиб, амир Олимхон кўшини ёнидан ўтиб, Ўратепа қалъасига кириб олишди. Саййидлик паноҳлари уларнинг етиб келганидан хабардор бўлиб, юраклари қувончга тўлди. Ражаббек манғит одамлари ва Ўратепа фуқаролари ҳаммаси бир тан, бир жон бўлиб, урушмоқ сари кўнгил қўйдилар. Эртаси куни оламнинг қоп-қора кўнгли хублар юзидек ёғдуга тўлди ва қуёш жамшиди зангори тахтга чикди. **Байт:**

Ситораи саҳар чун алам баркашид,
Жаҳон ҳарфи шабро рақам бар кашид.
[Саҳар юлдузи байроғини кўтаргач,
Жаҳон тун сўзи устидан чизик торди].

Алқисса, яна келишилган одатга кўра уруш бошланиб, ўлганлар жасаидан тепаликлар ҳосил бўлди. Маҳмудхон олов билан ўйнашиб бўлмаслигини сизди ва амир Олимхон кўшини ҳам ғалаба қилмагунча кетмоқчи эмас эди. Халқ эса қийин аҳволда қолди. Шуларни ўйлаган Маҳмудхон ноилож сулҳ сўзини ўртага солди. **Байт:**

Чун зи душман касе фароғат ёфт,
Жониби хушдили инон бартофт.
[Душман қўлидан ким тинчлик топса,
Кўнгил хушлиги томон жиловини буради].

Ва амир Олимхон унинг таклифига рози бўлди, аммо, укаси Тўраҳон ҳамда Шукрали *тўқсоба* ва булардан ташқари юз уруғининг бир неча улуғларини оқ уйлик қилиш шартини қўйди. Ул саййидлик паноҳи шартни қабул тутиб, укаси ва ўз амирларидан бир нечтасини кўчириб юборди. Ўша вақтда амир Олимхон амирларидан бири бўлмиш Тўла бой мирзо қочиб, Ўратепа қалъасига кирди. Ҳаммангизга маълумки, Туркистон ўлкаси ёки истаган бошқа юртда мўъмин ё кофир халққа аён – бирор киши кимдандир қочиб, бошпана илинжида яна бировнинг уйига кирса, ҳеч қачон уни душмани қўлига топширмайдилар. Бу турли диндаги халқлар ўртасида қадимдан келаётган қоида ҳисобланади. Аммо, бу пайтда саййидлик паноҳи ўта даражада қийин аҳволда қолганидан ҳалиги бечорани тутиб, амир Олимхон қўлига топширди, амир эса уни тўхтовсиз қатлга еткарди. Бу каби бадномлик мазкур саййидлик паноҳидан то олам бузилиб, қиёмат етгунча оқлаб бўлмайдиган даражада қолди. Ул саййиднинг ўз оғзидан бир неча бор «бу дунёда сира ҳам ўнглаб бўлмас бир хато иш қилиб қўйдим» деганини эшитган эдим. Ҳа, бунинг оқибатини кўрдик. **Байт:**

Нек ар куни ба жойи ту неки кунанд боз,
В-ар бад куни ба жойи ту аз бад бадтар кунанд.
[Яхшилик қилсанг, сенга ҳам яхшилик қилишар,
Ёмонлик қилсанг, сенга ундан баттарин қилишар].

Амир Олимхон яраш ва сулҳга эришгач, фатҳу нусрат билан Хўжанд тарафга қайтиб кетди. Бир манзил йўл юриб, Хўжанд вилоятига кириб борди. Бир неча кун ўша ерда айшу ишрат билан машғул бўлгач, у ердан ҳам қўзғалиб, манзилу мақсад сари юзланди. Уч манзил юриб, Хўқанд вилоятига келиб тушди. Бир неча кун давомида йўл чарчоқларини ёзди.

Амир Олимхоннинг Тошканд томонга лашкар тортгани зикри

Шоҳзода Умархон Юнусхожанинг ўғли Султонхожани асир олиб, Ниёзбек қалъасини эгаллаган ва Ҳомидхожа билан юз кўришиб, бу хожазоданинг гуноҳидан ўтган ҳамда Хўқандга қайтиб кетган пайтдан бироз ўтиб, банг нашаси Ҳомидхожанинг бошини ҳам айлантириб, мустақил ҳукумат юргизиш фикри ўз ҳол-жонига қўймади. **Байт:**

Домани давлати жовид ва гиребони умед,
Ҳайф бошад ки бигири ва дигар бигзорй.
[Мангулик давлати этагин ва умид ёқасин,
Аввал ушлаб, сўнг қўйворсанг ҳайф эрур].

Шу ўйдаги Ҳомидхожа қаршилик ноқорасини чалишга тушди. Бунинг хабари амир Олимхонга ҳам эшитилди. Ғазаб олови аланга олди. Фарғонанинг барча қўшинини йиғиб, урушга тайёргарлик кўришлари ҳақида фармон берди. Ул олий фармонга биноан чумоли-ю чигиртка сонича чексиз лашкар йиғилиб, олий даргоҳ олдида жамулжам бўлди. Амир Олимхон дарҳол бош-оёқ қуролланиб, тўла шон-шавкат билан Тошканд томон юзланди. **Маснавий:**

На шоҳу на солор лашкар бувад,
Ки нозук тан ва нозпарвар бувад.
Туро афсару ганжу фармондиҳи,
Ҳаром аст агар сар ба болин ниҳи.
[На шоҳ, на лашкарбоши қўшин ўрнига ўтар,
Чунки улар нозик тан ва ўзин парвариш этган.
Сенга тожу ганж ва фармон қилувчилик берилса,
Ўлай агар бошингни ёстиққа тинч қўйиб ётсанг].

Алқисса, бир манзиллик ерда Сайхун дарёсидан кечиб, Шаҳидон¹⁴⁹⁴ мавзесига кириб борди. Эртаси куни у ердан қўзғалиб, Қурама манзилига бориб қўш ташлади. У ердан ҳам кўчиб, икки манзил йўл босгач, мақсаддаги жойга етди. Ҳомидхожа амир Олимхоннинг бостириб келганидан хабар топгач, бошига тушган ташвишдан ҳангу манг бўлиб қолди. Бу балога қандай чора кўришини билмади. Ахир, бургут чангали баробарида саъванинг нимага мажоли етарди, шер панжаси олдида сичқоннинг чидам беришга қандай кучи келарди. Аммо, шунга қарамасдан, бошини уруш ишига тикди. Эртаси амир Олимхон қиёмат аломатли лашкар билан отланиб, душман сари юзланди. Ғанимга яқинлашгач эса бир ҳамла билан рўпарадаги қўшин устига ташланди. Уруш бошлангани ҳам шу бўлди, душман қўшинининг тум-тарақай қочгани ҳам шу бўлди. Ҳомидхожа тақдир ўз ишини қилиб қўйганини сезиб, гўр азобида ҳалокат майдонидан қутулиб чиқди ва молу мулк, хотину бола-чақа баҳридан кечганча қочмоқни ихтиёр этди. Юрагида неча дарду ҳасрат ва алам билан Бухоро сари юзланди. Шунда ушбу **байт** унинг тилидан жорий бўлди:

Аз тоби офтоби ҳаводис чи ғам хўрам,
Чун соябони лутфи ту бошад паноҳи мо.
[Ҳодисалар қуёши тафтига нега ғам чекай,
Чунки, лутфинг соябони бизга паноҳ эрур].

Амир Олимхон шу бир ҳамла билан шаҳарга кирди ва қўшин аҳли шаҳар аҳолисини ўлдириш ва молини талаш сари қўл чўзди. Бир кундан сўнг амир Олимхон шаҳар халқига тегмаслик ҳақида буйруқ берди. Турклар яғмоси бир қадар пасайди. Шаҳар аҳолиси юрагидаги кўрқув ҳам бироз камайди. Амир Олимхон ул мамлакатни ўз иқтидор қўлига киритди ҳамда инъом ва эҳсон улашиш пайдан бўлди. Кўнглини ул мамлакат ишларидан тинчитгач, Тошканд ҳукуматини Саййид Алибекка топширди ва амирларидан бир нечасини унинг хизматида қолдирди. Ўзи эса фатҳу нусрат билан

¹⁴⁹⁴ Шаҳидон/Шайдон – Сирдарёнинг ўнг тарафида жойлашган жой. Ҳозир Тожикистондаги Суғд вилояти таркибида.

кайтиш жilовини Хўқанд сари тўғирлади. Бир манзилдан сўнг Оҳангарон чўлига қўш ташлади. У ердан ҳам кўзғалиб, тоғ довонидан ошиб, Сайхун дарёси қирғоғига етди. Эртаси куни дарёдан кечиб, катта ўлжалар ва савлату виқор билан қароргоҳига етди. Тахтига чиқиб, айшу-ишратга машғул бўлди.

Фарғона мамлакатада кўзғалган бир неча кунлик фитна ва бузғунчилик ҳамда подшоҳ саид амир Олим Муҳаммад Баҳодирхоннинг ёғий бўлган амирлар исёни ва бузғунчи кўшин даъвоси оқибатида уларга нисбатан меҳр-шафқатсизлик қилгани сабаби ва – *жин ва инсни яратган Эгамга ҳамдлар бўлсин* – ул мақсадига етмаган подшоҳ давлатининг қулай бошлагани зикри

Аммо, шундан сўнг аён бўлсинким, амир Олимхон ўша замоннинг унғача салтанат гулзорида бу подшоҳ каби тароват ва латофатда тенгсиз бирор гул очилмаган ҳамда мамлакат бўстонида унинг қадди-қомати сингари бирор сарв бўй чўзмаган бир шоҳи эди. Мақсади ҳосил ва нияти ёр шаҳриёр бўлиб, шоҳлик улуғворлиги ва савлати билан безанган, шижоати жаҳон палоси узра машҳур ва мазкур, курашлари замон саҳифасига битилган эди. Яхши кўринишли юзи чиройли ва дилни эркалар чеҳраси хушсурат ҳамда душманни янғувчи билагида тўла қудрат бор эди. Агар камонидан ўк отилса, кўзланган нишонни турган жойида қотирар, агар тоғ тепасига бориб тушса, теккан ерини қулатар эди. Ғазаби тўлқинининг зарби қаҳр денгизини ағдар-тўнтар қилиб, тубини соҳилга чиқариб ташлар, важоҳати савлати тош дилдан оташ чиқариб, саҳро ясар, хуллас, ана шундай яхши васф ва ёқимли хулқ-атвор зийнати билан безанган хоқон эди. Уруш куни йиртқич арслон сингари вужуди даҳшат кони, саҳийликда гўё лутфу карам булути эди. Халқ арзу-дод сўрашда шамол каби кучлилар устидан ҳам, ожизлар устидан ҳам бир хил эсар, адолатда қуёш каби пасту юқори табақага баравар нур сочар, ҳимматда денгиз каби бўлиб, инъомлар беришда камайиш борлигидан чўчимас, жасурликда сел каби пасту баланд ҳақида ўйлаб ўтирмас эди. **Байт:**

Дар сад ҳазор қарн сипехри пиёдарав,
Наорад чу ту савор ба майдони рўзгор.
[Юз минг асрда ғам пиёда юргувчи осмон,
Келтирмас сенингдек отликни ҳаёт майдониға].

Ул подшоҳ кўпинча қуйидаги абётни тилида зикр этарди. **Қитъа:**

Чи санжад дар нигинам шаҳри Хўқанд,
Зи Чинам то Хуросон дар нигин бод.
Ба як Турон самандамрочи жавлон,
Маро майдон ҳама руйи замин бод.
[Хўқандгина топмас нигинимдан омон,
Киргай унга Чиндан тортиб то Хуросон .
Самандимга депсиниш ери эмас Турон,
Отимга бўлғуси бутун ер юзи майдон].

Дастлабки пайтларда амирлар, сипоҳилар, хизматчиларнинг барчаси амир Олимхонга нисбатан меҳру муҳаббатларини чин диллари тўрига жойлаган эдилар ва ўз ширин жонларини унга фидо қилиб, ҳумоюн фармон ва топшириғини илоҳдан келган буйруқ ўрнида билардилар. **Мисраъ:** Ба ҳар чи ҳукм бувад бандаем ва фармонбар (Не ҳукми бўлса, бандамиз ва фармониға итоаткор); Ҳақиқатдан ҳам амирлар, сипоҳилар жаҳон подшоҳининг хулқи ва карамиға ундан ортиғини тасаввур қилиб бўлмас даражада мафтун эдилар. Лекин, амир мизожида фикр якка ҳокимлиги ортиб, мамлакатнинг айрим ишларини енгил ўйлаб ҳал этадиган, сўнг пушаймон бўлиб, гапидан тез қайтадиган, ўта қўрқмаслиги ва жасурлиги зиёдлигидан эҳтиёткорликни ҳам писанд қилмайдиган, сабр ва босиқлик, ўйлаб ва вазминлик билан иш кўриш деган гапларни унутадиган бўлиб қолди. «Вазминлик муваффақият гарови, шошқолоқлик надомат чироғи» деган калимани эсдан чиқарди. **Байт:** Таҳаввур писандидаи ақл нест, Жунун ва таҳаввур ба маъни як аст (Кучиға ишониб ҳовлиқиш ақлга мақбул эмас, Телбалик ва ўпкани боса билмаслик бир хил нарса].

Амир Олимхоннинг яна бир янги одати шу бўлдики, ўтмиш хонлари маслаки ва ота-боболари ясоси¹⁴⁹⁵ дан чекиниб, илгари расм бўлмаган ишларни қилди. Албатта, булар аслида ёмон нарса бўлмай, аммо, эски ақидадаги кишиларга улар маъқул келмасди. Аниқроғи шуки, гарчи амир Олимхон одамлар билан ёмон муомаласи сабабли сиртдан қанчалик кўпол кўринмасин, аммо, ичдан шунчалик тоза ва гўзал сийратли одам эди. Чунончи, ўзларини саайидзода ва шайхзода қилиб

¹⁴⁹⁵ Бу ерда ясо урф-одат, удумлар маъносида.

кўрсатмоқчи бўлган ёлғончи, каззоб кишилар пайини қирқиб, сирларини фош этди. Биласиз, Туркистонда, қаерда каттакон дарахт бўлса, устига алам тикиш ва хотинларнинг эса шу улкан дарахтни қайсидир улуғнинг мозори ўрнида кўриб, шохларига латта боғлаш, чироқ ёқиш ва ўша жойдан тилакларининг рўёбга чиқишини сўраш одати бор бўлиб, бу билан кишилар ўзларини залолатга ботирардилар. Амир Олимхон шундай бидъат қилиқларни таг-томири билан кўпориб ташлади, тиланчилик орқасидан бойлик тўплаб, бадавлат кун кечираётганига қарамай яна қўлини тиланчиликка чўзаётган гадоиларни кўча-кўй ва бозорлардан қувлаб солди ҳамда уларнинг бу ишига барҳам бергач, тутиб олиб туякашлик қилишга мажбур этиб, ҳар бирининг кўлига биттадан туя тутқазиб, семиртириб боқишни ва юк ишлари чиққанда, подшоҳлик корхонасига келтиришни буюрди. Ўзларини шайх ва авлиё ясаб, ёлғондан кароматгўйлик қилиб, шу тариқа мусулмонларни шайтон йўлига бошлаб юрганларнинг ҳаммасини бир ерга йиғиб, синовдан ўтказди. Иши шариятга тўғри келувчиларини тўла иззат билан яна шайхлик мансабига тиклади, иши шариятга хилоф топилганларини уятдан бир замбил қилгач, тавба қилдириб, ўз йўлига кетишга рухсат берди. **Байт:**

Ботини ин қавми кофиркеш бо зоҳир масих,
Жумла қуръон дар канор аст ва санам дар остин.
[Бу қавм ичидан кофир, юзда масихий динида,
Барчаси ёнида қуръон ва енги остида эса бут].

Амир Олимхоннинг ўзи эса ҳидоят паноҳ эшон Мавлавий хизматларига кириб, тариқат ишига машғуллик кўрсатарди ва жаҳрия тариқатида юриб, ҳар кун хуфтондан сўнг ўз қароргоҳида жаҳр тушарди.

Бир телба девонанинг амир Олимхонга пичоқ ургани зикри

Тақдир тақозоси билан бир девона бола амир ўтказадиган жаҳр, яъни овоз чиқариб зикр тушиш маросимида ҳар куни ўртага чиқиб олиб, оғзини кўпикка тўлдирганча фаол қатнашиб, зикрга жўр бўларди. Амир Олимхон унинг бу қилиғидан ажабсиниб юрар, аниқроғи, ўзи аслида бу бола зиндиқийлардан¹⁴⁹⁶ биттаси бўлса керак, деб ўйлар ва шунинг орқасида «бу икки юзламчи»нинг билдирмай таъзирини бериш мақсадида, тегажоғлик қилганча, масхаралаб юрарди. Бир куни ширали овозли ҳофизларнинг зикр тушиб ва кўпларни жазава тутиб, ёқалар йиртилган, маст туядек оғизлар кўпикка тўлган, хоҳ рост, хоҳ ёлғон ҳар кимнинг бир чеккага йиқилиб, маросим аҳлининг ҳой-ҳуйи авжига чиқиб, кичик қиёмат кўпган, яъни жаҳрнинг айни қизиган чоғида ҳалиги девона бола ҳам бир ҳолда амир Олимхон олдидан ўтиб қолади. Амир Олимхон бу мажнун ва телба боланинг ёқасидан маҳкам ушлаб, ҳарамнинг даҳлизига қараб судрайди. Даҳлиз жуда ҳам қоп-қоронғу бўлиб, амир шу зим-зиё зулматда боланинг бошига бир неча мушт туширади. Буни қарангки, девона боланинг ёнида пичоқчаси бўлиб, маҳсиси ичига қўйган экан. Жинни бола ўша пичоқчасини олиб, амирнинг қорнига устма-уст ўн саккиз марта пичоқ санчади. Аммо, қазоси етмаган экан. **Байт:**

Эй забардасти зери даст озор,
Гарм то кай бимонад ин бозор?
Ба чи кор оядат жаҳондори,
Мурданат беҳ ки мардум озори!
[Эй зўравон, кучсизга берурсан озор,
Қачонгача қизир ахир бу бозор?
Подшоҳлигинг бунда бир пул эрур,
Ўлганинг яхши бергунча халққа озор].

Девона саросимага тушиб, пичоқни пойинтар-сойинтар ургани учун қорин пардасига тегмай, амир соғ қолган. Боланинг, ҳар қалай гавдаси кичик, қўллари калта ва амир эса улкан жуссали киши бўлгани ҳамда амир боланинг ёқасидан қаттиқ ушлаб туриб, ўзини орқага олиб қочишга имкон топгани туфайли пичоқча девонанинг кўнглидаги каби иш бермаган. Ўшанда амир Олимхон қараса, иш қўлдан чиқиб бормоқда. Қиличинини ғилофидан чиқариб, девонани қўйворганча, шу қоронғу жойда боланинг гарданини шундай мўлжалга олиб урганки, агар шу сармаганда қилич нишонга тегса, боланинг минг гардани бўлиб, уларнинг ҳар бири етти хил темир қоришмасидан бўлганида ҳам иккига бўлиб ташларди. Чунки, Хўқанд подшоҳлари ёнида ўта кескир қилич олиб юрар ва уни бирон лаҳза ҳам ўзидан узоқлаштирмас эдилар. Расм ва одатлари шундай эди. Хоҳ кўпчилик орасида

¹⁴⁹⁶ Монилик таълимотига эргашувчи худосизлар, яъни, Аллоҳ ягоналигини тан олмайдиган ёки худони яратилган мавжудот сифатида билувчи оқим издошлари.

бўлсин, хоҳ овлоқ жойда бўлсин, ёнларида доимо шамшири бўларди. Иттифоқан, шу қиличи хато кетиб, боланинг елкасига тушади ва девонанинг ўнг қўлини кесиб, елкасидан осилтириб қўяди. Амирнинг иккинчи зарбни уришга ҳоли қолмаган эди ва жанг майдонларида арслондек ўкириб юрган жасур амир Олимхон ҳолдан тойиб, чордана қурган кўйи ўтириб қолади. Девона пичоқчани чап қўли билан ушлаб, қоронғуда амирни ахтара бошлайди. Амир эса қонига ғарқ бўлиб, рўпарасида ўтирарди. **Мисраъ:** Нигагаҳдорандаш неку ниғаҳ дошт (Сақловчиси яхши сақлади); Хуллас, амир Олимхоннинг девонани даҳлиз ичига судраб кетган пайти хизматчи надимлар уларнинг орқасидан қараб, ҳайрон бўлганча, бу гапдан нима чиқаркан, дея кутиб ўтиришарди. Бирор соатча тўхтаб туриб, сўнг шоҳдан ҳам, гадодан ҳам ҳеч бир хабар бўлавермагач, ноилож, ҳали гап нимада эканидан беҳабар, ичкари юрдилар. Қарасалар, фалак бошқача ўйин кўрсатибди: девонанинг қўлида пичоқча ва чарх уриб, шоҳни ахтариб юрибди. Надимларнинг юраги така-пука бўлиб, олдинга отилдилар. Ҳаммадан олдин Ҳофиз Қувват (дегани) етиб борди. Девона уни кўриб, пичоқни Ҳофизнинг бўғзига шундай тикдики, бир зумда чаккасидан тешиб чиқди. Ҳофиз шу заҳоти йиқилиб қолди ва ҳушидан кетди. **Байт:**

Ман на онам к-зи дарат жое равам то зиндаам,
Гар ажал дурам кунад аз кўйи ту маъзур дор.
[Тирикликда эшигингдан нари кетувчи эмасман,
Ажал ҳайдаса ҳам кўчангни сира тарк этмасман].

Унинг орқасидан Маҳмудхожа етиб келди ва бола унга ҳам бир пичоқ урди. Бирок, пичоқча унчалик иш бермади. Бошқа надимлар бу ҳолни кўришиб, ҳайрат бармоғини тишлаб, ўй денгизига чўмдилар ва ул ўқ теккан тўнғизни қайси йўл билан қўлга киритишни билмай қолдилар. Уларнинг орасида Кичкинаҳон деган бир хизматчи ҳам бор бўлиб, жуда ҳазилкаш ва масхарабоз, аммо, жуда эпчил ва чапдаст одам эди. У етиб келиб, бу малъун девонани ўз қўлини ўз қони билан ювган, агар шу чоғда Рустаму Исфандиёр дуч келса ҳам ёқалашадиган важоҳатда кўрди. Яхшилаб ўйлаб олди ва ишнинг фақат куч билан битмаслигига ақли етди. Албатта бир ҳийла ўйлаб топиш керак. Чунки, фурсат ниҳоятда кам ва надимлар шоҳнинг аҳволи нима кечганини аниқ билмасдилар. Агар девона амир Олимхонни шу орада ўтирган жойида топса, тилка-тилка қилиб ташларди. Амир ўн саккиз еридан пичоқ санчқисини еб, шу даража деворга суяниб, чорпойча ўтириб қолган эдики, ўрнидан туриб, бир одим отишга ҳам ҳоли етмасди. **Мисраъ:** Шере ки асири гурба гардад зи қазост (Шермушукка асир тушса, бу тақдир иши бўлмай не ахир); Хулласи калом, Кичкинаҳон бир бало қилиб, шу қоронғи даҳлизда олдинга юрди ва яхшилаб қараб, девонанинг бир қўли эғнидан ерга томон осилиб тургани ва чап қўли билан иш кўрсатаётганини аниқлади. Бу ҳолатни пайқагач, девона масаласидан кўнглини тўқ тутиб, ўта чакқонлик ва абжирлик билан девонанинг чап томонидан ўтиб, ўзи томон тортганча маҳкам қучоқлаб олдики, ул нопокнинг қимирлашга мажоли келмади. Кичкинаҳон уни шу ҳолатда юқори кўтариб, ерга чунонам урдик, девона ерга қапишиб қолди. Кичкинаҳон пастда ётган девона устига ўзини ташлаб, маҳкам ушлаганча тагидаги девонани кўйвормасди. Девона ҳам бўш келмай, ерда ётганча пичоқни ҳар томон сармалар, аммо, пичоқ устидаги Кичкинаҳонга тегмасди. Шундан сўнг надимлар ҳаммаси ёпирилиб, амир Олимхон устига келдилар ва шоҳни қонига беланиб, бироқ, тирик ётган ҳолда кўрдилар. Ҳамма оёққа туриб, бир нечтаси девонанинг оёғини синдириш билан машғул бўлишди. Кичкинаҳон девонанинг устида ўтирганча амирнинг тирик эканидан хабар топди ва хурсандлигидан юраги ҳаприқиб, яна ҳазилкашликни бошлаб бошқа надимларга қараб «эхтиёт бўлинглар, шу лаънати девонанинг арзимас оёғи деб, менинг кўтимга урманглар тагин, шу хизматларим учун кўтимдан ажраб қолмайин, кўтимни сизларга, сизларни эса худога топширдим» дея аския қилди. Амир Олимхон шу ҳолатда бўлса ҳам Кичкинаҳоннинг сўзларига кулгиси қистаб, деди, **байт:**

Вақти ажал аст ва жон гудоз аст,
Ки охир чи маҳалли ҳазл боз аст.
[Ажал вақти-ю, жон ёнган бу замон,
Ҳазил маҳали эмас, ўйинга не бало].

Ниҳоят, девонани чопқилаб, бўлак-бўлак қилдилар. Аммо, девона бундай улкан ишни кимнингдир топшириғи билан қилдими ё ўзининг жиннилигидан қилдими, ҳар ҳолда била олмай, бу гап номаълумлигича бир жумбоқ бўлиб қолди. Амир Олимхонни ердан кўтариб олиб, шу заҳоти ҳаким ва жарроҳларни чақириб келдилар ва амирни даволаш ишига бош-қош бўлдилар. Эртаси куни бу воқеанинг хабари бутун шаҳар бўйлаб тарқалди. Ҳатто, қисқа вақтда мамлакатнинг барча ерларига етиб бориб, вилоят аҳолиси ўртасида амирнинг тирик-ўлиги борасида ҳам миш-мишлар тўқила бошланди. Надимлар амирга «агар жаноби олийлари қандай қилиб бўлмасин халққа кўриниш бермасалар, халқнинг кўнгли тинчимайди, ёлғон-яшиқ гаплар мамлакат бўйлаб тарқалиб,

бузғунчилар бундан фойдаланиб қолсалар, у ҳолда фитна оловини ҳеч қандай чора-тадбир билан ўчириб бўлмай қолади» дея арз қилдилар. Амир Олимхон уларнинг сўзларини қабул қулоғи билан тинглади ва жаноб қиблагоҳимга «Сизнинг чорбоғингизга бориб, бир неча кун муолижа олиб, даволанамиз» деди. Жаноб қиблагоҳим бу фармонни эшита солиб, дарҳол ул меҳмондорчилик мутасаддилигини зиммасига олди. Бу айтилган чорбоғимиз Хўқанднинг жануб томонида бўлиб, амир Олимхоннинг қасридан чорак фарсах нарироқда жойлашган эди. Жуда бир кўркам ва сўлим, латифатли чорбоғ эди. Дарахтлари Сурайё юлдузигача бўй чўзган, оқар сувлари ҳамда ой юзлилар лаби устидаги чизиқ каби яшил майсалари чашма атрофини айлана қилган, ҳар хил рангдаги гуллар очилган, Эрам боғи¹⁴⁹⁷ рашқдан ул чорбоғ олдида уялиб, бошини қуйи эгган эди. **Байт:**

Дар дилам саъйи шикуфтан нест, аз сайри чаман,
Таҳ ба таҳ хун гардам аз тан ғунчаи тасвирро.
[Дилимда очилишга иштиёқ йўқ, чаман сайридан
Қатма-қат қон бўлурман, тасвир ғунчаси танидан].

Эртаси куни амир Олимхон не машаққату қийинчилик билан чиройли юрувчи саманди устига миниб, оти жиловини аста-секин тортганча қанча дабдаба ва савлат билан чорбоғимиз сари юзланди. Халқ ҳам узоқ-яқиндан турганча амирни соғ-саломат кўриб, кўнгиллари тинчиди ва ҳар ким ўз иши сари кетди. Амир Олимхон каминанинг чорбоғига тушди ва Афлотун¹⁴⁹⁸ таълик табибларни чақиртириб, ўз касалини даволатиш билан машғул бўлди. Қирқ кундан сўнг пичоқдан қолган яралар бита бошлади. Амир қошида йиғилган табибларнинг дори-дармони яхши кор қилиб, ҳалокат гирдобидан омон чиқди. **Мисраъ:** Ҳар кужо дардест, доруе муқаррар кардаанд (Қаерда дарду касаллик бўлса, дорусини ҳам ўйлаб топишган); Шундан сўнг каминанинг чорбоғидан отланиб, ўз қароргоҳига бориб тушди ва айшу ишратга машғул бўлди. Ва одамларнинг хотинларини хоҳ тенги бўлсин, хоҳ бўлмасин, саройидаги тоғлик ғалча¹⁴⁹⁹ ларга олиб берди ва бу жиҳатдан инсофсизлик сари қўл урди. Паст ва курумсоқ, хасис ва ҳимматсиз бахил кишиларни бойитиш йўлида ҳиммат кўрсатиб, ўз яхшиликларини шу олчоқларга сарф қилди. Нокаслар ва тоғлик ғалчалар суҳбатига кўпроқ майл кўргузди. Амир Олимхоннинг бу каби ярамас қилиқлари ана шу кишига дўстлиги йўқ кишилар таъсирида кундан-кун ривож топиб, давлатининг қулашига олиб келди. **Қитъа:**

Ҳамнишине к-ў латифу комил аст,
Роҳати руҳ аст ва ороми дил аст.
Ва он ки нодони ва ғафлат васфи ўст,
Сўҳбаташ монанди захри қотил аст.
[Кимга етук ақл эгалари улфат бўлса,
Руҳига роҳат ва дилига ором топар.
Нодонлик ва ғафлат кишисининг эса,
Суҳбати захри қотил каби бўлар].

Ўтмишдаги донолар «яхши суҳбатдош атторга ўхшайди, гарчи унинг атторлигидан сенга бирор фойда бўлмаса-да, ҳар ҳолда ундан таралиб турган ёқимли атр ҳидидан тароват топасан» дейишган. Ақлсиз ёмонларга яқинлашсанг худди темирчининг ўчоғи ёнида тургандай бўласан – гарчи оловида куймасанг ҳам тутунидан азият чекасан. **Маснавий:** Дар магузари аз кўраи оҳангарон,

Ки оташдуде расад аз ҳар карон.
Рав бари аттор ки паҳлуйи ў,
Жома муаттар шавад аз бўйи ў.
[Ўтсанг темирчилар ўчоғи ёнидан,
Ҳар тарафдан ёлқинли учқуни сачрар.
Аттор ёнига бор, унинг қабтолида
Кийиминг муаттар бўлар хидидан].

Ва подшоҳ ул нокасларнинг бемаза суҳбати сабабли тўғри йўлдан адашиб, ёғдули кўнгли амирлар, сипоҳ ва хизматчилари томон нур сочмай кўйди. Бундай аҳволдан юраклар беҳаловот ва кўнгиллар нотинчлик торта бошлади. **Байт:**

Агар оқил бувад хасми ту беҳтар,

¹⁴⁹⁷ Эрам боғи – Арабистонда Шаддод номли подшоҳ қурдирган боғ. Шаддод уни ер юзида осмоний жаннатга тенг қилиш ниятида қурдирган, аммо, боғ барпо этилиб, ичига кириш арафасида худо амри билан шоҳ ҳалокатга учраган ва боғ ҳам кучли момоқалдирос натижасида ер билан якон қилинган. Ҳозир унинг қолдиқлари Сурияда топилган бўлиб, “Семирамида боғлари” харобалари номи билан машҳур.

¹⁴⁹⁸ Юнон олими Платон кўзда тутилмоқда.

¹⁴⁹⁹ Ғалча – тоғлик аҳолини водийда ғалча (лар) дейишган.

Ки бо нодон шави ёру биродар.
[Ақлли душман яхшироқ эрур,
Нодон дўсту ёрингдан сенинг].

Жаноб қиблагоҳим рақиблари дастидан танг аҳволда қолиб, давлатнинг оғир юкини ёлғиз ўзи тортар ва амир Олимхоннинг ҳам иноятсизлиги орқасида захарнинг аччиқ жомини сипқорарди. Бу ишлардан ташвишга тушиб, хайрихоҳлиги ва тарафдорлиги туфайли амирни тўғри йўлга бошлашга қанчалик уринмасин, ҳеч бир натижага эриша олмасди. Олам подшоси ўзининг жасурлиги шаробидан маст ва шижоатига мағрур бўлиб, отамнинг гапларига сира ва мутлақо кулоқ солмади, хайрихоҳлик қилаётган насихтгўйнинг сўзига амал қилмади, тўғрилиққа бошловчи фикрларга қайрилиб ҳам боқмади. **Байт:**

Макун ки аҳли мурувват суҳан шунав набошад,
Ҳазор сол ба як нукта дар гарав бошад.
[Мурувват аҳли сўзинг тингламаса, сўзлама,
Минг йил ўз сўзида турса, бошқани кўзлама].

Ақл минг тил билан «лайса ар-рой к-ал-байон» – ақли бўлмаса ҳам айтгил, мазмунини адо этишига қарамай (**мисраъ:** Ку дил ки ҳадиси мушфиқон гўш кунад (Қани ўша дўстлар сўзига кулоқ солувчи кўнгил) уларнинг ҳеч бирини назарига илмади.

Шоҳзода Умархоннинг жаноб қиблагоҳимга эътибор-ҳурмати ҳаддан зиёд кўп эди. Аммо, акасининг отам гапига кирмаётгани ва ўз ёмон қилиқларини қанда қилмаётганига қарамай, уқачилик ҳурмати ва одамгарчилик йўлини тутиб, амир Олимхонга давлтхоҳлик қилишга мажбур эди. Ирискулбий , Жумъабой Қийтоқий каби ва бошқа ҳақозо амирлар подшоҳнинг табиат-мижози сари бир путурлик йўл топиб, бунинг яхшилик томони йўқлиги ва бу ҳолдан ёруғлик ва тўғрилиқ чикмаслигини англашди. Амирлар, сипоҳилар ва олий давлат устунлари ўртасидаги келишмовчилик ана шу сабабли юзага келди. Подшоҳ ва амирлар бири-биридан ҳадиксираб, бир-бирига нисбатан бадгумон бўлиб қолишди. Орадаги бир-бировга эътиқод ва ихлос озми-кўп йўқолди. **Маснавий:**

Чу аз лавҳи дил шуст нақши вафо,
Ба сад меҳнату дард шуд мубтало.
Вафо кун ба ҳар кас валинеъмат аст,
Ки дар бевафои бача захмат аст.
[Дил лавҳидан вафо нақшини ювгач,
Юз меҳнату дардга бўлди мубтало.
Вафо қил ким бўлса валинеъматинг,
Вафосизликдан кўп эрур сенга захмат)

Оқибатда амирлар яширин равишда амир Умархон сари оғишди ва фурсат пойлаб туришди. Ўша вақтда амир Олимхоннинг яқинлари унинг олдига кириб: – Раҳмонкулбий , Ирискулбий ва Жумъабой Қийтоқий шум каби ички душманлар ўз соҳибига куфрони неъматлик қилиб, валинеъмат хожайини юзига оёқ босганча шаҳзода Умархон ва кўнгли қолган ҳарбийлардан бир нечтаси билан бирга жаноби олийларига зарар ва захмат етказиш қасдига тушганлар, бу кўрнамаклар ўз соҳибига нисбатан ёмон ўй мақомида туриб, ўзларининг ёвуз ниятини амалга оширмакчилар. Жаноби подшоҳнинг ушбу дамда зарар олдини олмоқлари лозим кўриниб, ул ичи қора ҳаромнамак маккорларни йўқотишга киришсалар ва мамалакт гулзорини ул бузғунчи қайтмас ва юзсиз бебокларнинг хас-хашагидан тозаласар ва ул шум ниятли куфрони неъмат тоифанинг фисқу фасодга қон дахл қўлини юртингизга етмоқдан қисқа қилсангиз бўлар эди. Агар бундай ишда ғафлатда қолинса, кейин пушаймонлик бўлиб, иш қўлдан чиқмасин, – дедилар. Амир Олимхон бу қаршилиқ иши ҳақидаги гапларни эшитиб, бошини ўй-фикр хилватхонасига тикиб, сўнг деди: – Бундай ишга кўпчилиқнинг журъат этиши амри маҳол. Сизлар номини тилга олган кишиларнинг мендек подшоҳга нисбатан макру ҳийла ишлаши ақлга сиғмайдиган гап. Ахир улар менга рақибликка ҳам ярамасалар, мен эсам улардан ўзимга душман ясаб, бир пулга арзимасларни ғаним ўрнида билсам, уят гапку бу. Ким бўлибди улар ўзи менинг олдидан. Қанчадан-қанча йиртқич арслонлар билан дуч келиб, писандига ҳам илмаган одам қандай қилиб шағолнинг ёмонлигидан кўрксин ва тулкининг ҳийласидан чўчисин. **Байт:**

Ҳарифе ки ў шерро пай кунад,
Ки аз рўбаҳи ожизе чун кунад.
[Шерни қулатувчи одам нечук,
Ожиз тулкидан кўрқиб иш кўрсин].

Шер юрак амир душманни заиф кўриб, бу гапларни ёлғонга йўйди. Аммо, бу гапларни тухмат деб ўйламлиги керак эди, душманни кичик кўрмаслик лозим эди. Чунки, душман кичик бўлса ҳам макру хийласи каттадир. **Байт:**

Душман агарчи хурд бувад дар тариқи ҳазм,
Уро бузург дон ва ғами кори хеш бош.
[Душман кичик бўлса ҳам эҳтиёт юзасидан,
Уни катта деб бил ва ўз ишинг пайдан бўл].

Душмандан доимо кўрқиб юрган одамгина ақлдилар. **Байт:**

Нахустин нишони хирад он бувад,
Ки аз бад ҳама вақт тарсон бувад.
[Ақлнинг биринчи аломати шуким,
Ёмондан ҳамиша дили ҳадикда].

Алқисса, хайрихоҳлар қанчалик ул ёмон табиатли яхшилик билмаган гуруҳни тор-мор келтиришга ундамасинлар, подшоҳ ғафлат йўлини тутди. **Мисраъ:** Гофил машав аз ҳар ки дилаш озарди (Кўнглини оғритган одамингдан энди эҳтиёт бўл).

Амир Олимхоннинг ҳеч сабабсиз Тошент мамлакатига қўшин тортгани ҳамда ўша айёмда туз кўр қилгур амир ва сипоҳиларнинг макру хийла ишлатгани ва ул бечора подшоҳнинг бу оқибатсиз дунёнинг зулм пичоғидан яраланиб, шахидлик даражасига етгани зикри

Подшоҳ Тошканд юришини ҳамиша кўнглидан ўтказиб, бу ҳақда доимо яқинлари ва тарафдорларига айтиб юрарди. Офтоб Далв буржидан Хут¹⁵⁰⁰ босқичига кўчган маҳалда олам олувчи шахриёрнинг кўнглида Тошканд сари бостириб бориш иштиёқи кучайиб, шу ҳавас азобида, гарчи, бундай отланишга Тошканд ёки Дашти Қипчоқ тарафлардан ҳеч қандай бир сабаб юзага чиқмаган эса-да, фойдасиз бир шошилиш сафарни ихтиёр этиб, юришга ошиқди. Ўйлаб иш қилиш раҳмондан, шошилиш шайтондан мақолини унутиб, лозим бўлмаган юришга шошилди ва тинчмоқ мамлакатни ташвишда қолдирди. **Байт:**

Ҳар ки ба таъжил бароварад даст,
Санги жафо пояйи қадраш шикаст.
[Ким шошилиш билан иш қилса,
Ўз қадр пойига жафо тошин отади].

Ҳукамо бекорга «ўйлаб иш қилиш қилиш ва етти ўлчаб бир кесиш ишларни ўнглайди, сабабсиз шошқалоклик кўп ишларни барбод этган» дейишмаган ахир. Ҳар бир иш вазминлик ва аста-секинлик билан бажарилса, аниқки, кўнгилдагидек бўлиб битади. Қайси бир иш қизиққонлик ва енгилтаклик натижасида амалга ошиб, иш тез пиша бошласа ҳам оқибатда номуродликка олиб келиши мумкин.

Маснавий:

Ба оҳистаги кори олам бар ор,
Ки дар кор гарми наояд ба кор.
Чароғ ар ба гарми биафрўхти,
Чу худрову парвонаро сўхти.
[Олам ишини босиқлик ила эт адо,
Қиззиққонликда қилинган иш яроқсиз.
Чирокни иссиқлик чоғи ёқсанг,
Ҳам ўзинг куясан, ҳам парвонани куйдирасан].

Ва нужумшунослар ҳар хил кўнгилисиз ходисалар ва бадбахтликлар бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам айтиб, бу йил юлдузлар жойлашининг дарак беришича, яхши соат ва кунлар вақти авждан маҳрум, Зухал кўриқчи¹⁵⁰¹ ва Асад толей буржида¹⁵⁰² ва Ашур мазлума даражасига етишган¹⁵⁰³ бўлиб, бундай пайтда бирон бир ишга киришиш муносиб кўринмас, экан. **Байт:**

Замона ба неку бад обистан аст,
Ситора гаҳе дўст, гаҳ душман аст.
[Замона яхши-ёмонга ҳомиладир,

¹⁵⁰⁰ Далв буржидан Хут буржиге ўтиш вақти – 21 январда Далв ойи бошланади.

¹⁵⁰¹ Ёмонлик ташаббусни қўлга олганлик маъносида.

¹⁵⁰² Шернинг омади юришган вақти маъносида

¹⁵⁰³ Бу ерда қонли Ошуро ойи(Карбалода рўй берган муҳаррам ойидаги воқеа)га ишора қилинмоқда.

Юлдуз гаҳ дўст, гаҳ душмандир].

Амир Олимхон мунажжимлар сўзларига эътибор бермади ва Фарғона мамлакатининг барчаси бўйлаб «оти бор бирор киши бу юришдан қолмаслиги керак, акс ҳолда танасидаги бошидан ва кўлидаги мол-мулкдан жудо бўладилар» дея жар чақиртирди. Шу сабабли юришда сон-саноксиз лашкар қатнашди. Амир Олимхон ёнига шоҳзодаларни солиб, неча бир шону-шавкат ва дабдаба-ю, кудрат билан Тошканд вилояти сари юзланди. **Байт:**

Равон шуд ба иқболи фатҳу зафар,
Ба ферузи ва нусраташ роҳбар.
[Фатҳу зафар бахти билан равон
Бўлди, ғалаба ва ютуқ йўлчи ҳамон].

Бир манзилдан сўнг Сайхун дарёсидан кечиб, Шаҳидон мавзесида кўш ташлади. Эртаси куни у ердан кўчиб, Қурама вилоятидаги Оҳангарон чўлига кирди ва индинига у ердан кўзғалиб, Тўйтепа¹⁵⁰⁴ қалъасига келиб тушди. Сўнгги куни у ердан йўлга тушиб, шоҳлик дабдабаси ва хусравлик шавкати билан Тошканд томонга йўл солди. Иттифоқан, ул сарзаминда Чирчиқ дарёси бўйида жуда катта бир тўқай бор эди. Шу қамишзорда ҳар хил йиртқич ҳайвонлар ва овга ярайдиган жониворлар мавжуд бўлиб, амир Олимхон тўқайнинг бу янглиғ жой эканини билгач, қуш солиб, ов шикор этишга тушиб кетди. Шу даража ови бароридан келдики, Жамшид¹⁵⁰⁵ ва Сиёвуш¹⁵⁰⁶ нинг шикори афсонаси бунинг олдида ҳеч гап бўлмай қолди. Овнинг айна қизиган чоғи эса тўқайнинг бир бурчагидан одамларнинг бақириқ товушлари эшитилиб қолди ва ҳамма ўзини ўша ёққа урди. Қарасалар, иккита йиртқич шер овчилар ишига қаршилиқ кўрсатиш ноқорасини чалмоқда. Гап шундаки, бу бепоён тўқайзорда кўп замонлардан бери бир жуфт шер бошқа йиртқичлар устидан зўравонлик тахтида ҳукмронлик қилиб келаётган экан. Амир Олимхоннинг кўнглига ҳам худо тақдири билан ана шу тўқайда шикор ҳаваси тушиб қолди. Тўқай шерлари бир пасда амир Олимхон кишиларидан бир нечасини йўқлик сари жўнатадилар ва анчасини майибу мажруҳ қилдилар. Амир Олимхон бу воқеадан хабар топгач, дарҳол овни тўхтатиб, шерлар турган ерга борди. Бориб қараса, жуда баҳайбат бир жуфт йўлбарс бўкирганча тўқай ўртасида айланиб турибди. Амир Олимхон бу манзарани кўргач, жаҳли чиқиб, ғазабга минди ва лашкар аҳлига қараб «тез бўлинг, бу икки итни ушланглар, бўлмаса сизларни жуда қаттиқ қийноқларга рўпара қиламан, аммо, ким уларни ушласа, дунёнинг қай матоҳини хоҳласа ўша билан хурсанд этаман» деди. Амирлар ва шижоат ўрмонининг курашчилари амир Олимхон оғзидан бу каби сўзларни эшитгач, ушбу байтни кўнгилларидан ўтказдилар. **Назм:**

Дошти дар дил ки оламо бисўзи оқибат,
Билохир карди ба мардум ончи дар дил дошти.
[Оламини ёқаман деган ниятинг бор эди дилда,
Ниҳоят халққа дилингда борин кўрдинг раво].

Бирданига ул икки шер устига ҳужум қилиб, ўқ ва тўфанг отиш билан машғул бўлдилар. Шерлар эса иш қўлдан чиққанини сезиб, ғазаба шўъласини ёқишди ва бир неча бор қаттиқ ўқиришдики, бу наърадан тоққа зилзила, денгизга тўфон ва қамишзорга ўт тушгандай бўлиб, яна устларига ёпирилиб келган одамлар томон ташландилар ва бир ҳамладаёқ бир неча довиюрак жангчи-ю, отларни ғажиб ташлашди. Лашкар аҳли уларнинг сарпанжаси кучини бу аҳволда кўриб, ҳар бири сичқондек, подшоҳнинг мингта инъомидан ҳам кечиб, беражак азобидан ҳам кўркмай, ўзларини бир бурчакка урдилар. Ҳеч кимнинг бирор қадам олдинга ташлашга мажоли етмай қолди. Амир Олимхон ҳайвонлар подшосининг бу шижоатини кўриб, ҳайрат бармоғини тишлаб, ўй денгизига чўмди ва бу икки ўжар шерни қандай ушлаш чораси устида бош қотира бошлади. Ўта бир асабий ҳолатда қўлларини бир-бирига уриб, жумбоқни ечишга уринар, аммо, ўзи ҳам ва бошқалар ҳам бу мушқилни ҳал этишга қодир эмасдилар. Шу пайт катта ўғли шоҳзода Шаҳрух писиб туриб, урғочи шернинг томоғига қараб шундай бир ўқ отдики, баҳайбат бу йўлбарснинг ҳаёт-мамоти куйиб, шу заҳоти қонига беланиб, ер тубан йиқилди. Одамлар қичқиришиб, таҳсин ва офаринлар айтишди. Амир Олимхон ҳам дилбанд фарзанди мақтовига оғиз очди. Хурсанд бўлиб кетди. Бу ҳолни олам аҳли шоҳзодаси амир Умар кўргач, шижоат ва мардлик орияти кўзғаб, *махрами* кўлидан ўзининг хос тўфангини олди ва қолган эркак шер сари юзланди. Бу ишни кўриб, надимлар ва тарафдорлари қанча қаршилиқ қилишга уринмасинлар, фойдаси бўлмади. Ғазабига минганча эркак шер устига қараб чопди ва унинг юрагига қараб бир ўқ отдики, шер кўзини очишга ҳам улгурмай бир ўкирганча ерга кулаб, жон берди. Кўриб турганлар шоҳзоданинг қилган ишидан ҳайрону гаранг бўлиб, ўзларига

¹⁵⁰⁴ Тўйтепа – Тошканд шаҳридан тўрт фарсахда жойлашган жой.

¹⁵⁰⁵ Эрон давлати шаҳаншоҳи Жамшиднинг ов-шикорни ҳам севганига ишора.

¹⁵⁰⁶ “Шоҳнома” қахрамонларидан бири саналган Сиёвуш ҳам ов-шикорни яхши кўрган киши сифатида талқин этилишига ишора.

келгач унинг давлати ва бахти учун дуо қилдилар. Амир Олимхон укасининг бу ишини кўргач, мактов сўзларига кўмиб ташлади ва қувончи ичига сиғмай, дарҳол ул икки шоҳзодага марварид тақиб тикилган тўнлар кийгизди, белларига жавҳарли камарлар боғлади ва ҳар бирига тоғ гавдали, даштда учар отлар инъом қилди ва бошларидан тилло-ю, кумуш тангалар сочди. **Назм:**

Ду маликзодаи баландсарир,
Ва ин жаҳонбахшу он вилоятгир.
Умри ин хизри жовидони бод,
Ризқи он оби зиндагони бод.
[Икки юксак мартабали маликзода,
Бири жаҳонбахш, бири вилоят олувчи.
Бунисига Хизрдек мангу умр бер¹⁵⁰⁷,
Унисининг ризқин оби ҳаёт каби қил].

Алқисса, иккита шоҳзода томонидан овланган ул иккита ҳайвонлар подшосининг терисини туяларга юклаб, неча шону шавкат билан Тошканд вилояти ҳудудида қўш ташладилар. Амир Олимхон икки-уч кун давомида йўл чарчоқларини чиқаргач, Ирискулбий ва Жумъабой Қийтоқийни лашкар сардори қилиб, қозоқ улуси жамоасини босқин-чопқин ва талон-торож қилиш учун юборди. Улар амир Олимхондан рухсат олиб, ҳузуридан чиққач, ул тарафга равона бўлдилар ва тез бир суръатларда кечаси юриб, тонг отмасдан бурун ул жамоа устига худди ногоҳоний бало-қазо каби ёпирилдилар ва қўлларини ўлдириш ва талон-торож сари чўздилар. Қанчасини асир олиб кетдилар. Бечораларни шу даража таладиларки, яғмога учраган қозоқлар авратларини бекитиш учун бир парча латтасиз қолдилар. Улуснинг яна бир жамоаси эса бу гапни эшитиб, қочишга тушдилар ва неча бир машаққатлар билан талон ва торождан қутулдилар. Босқинчилар қочганлар кетига тушмай, шу билан хотирлари жам бўлиб, фатҳу нусрат билан амир Олихон ҳузури томон юзландилар. Анча йўл босиб, Тошканд яқинига етдилар. Уларнинг воқеаси амир Олимхон қулоғига етгач, жаноб шоҳзода амир Умархонга улар олдига чиқишни ва ўлжа олинган тўрт оёқли ҳайвонларни лашкарга тақсимлаб беришни буюрди. Амир Умархон акаси ҳузуридан чиқиб, келувчиларни кутиб олди ва барча ўлжа молларни тақсимлаб берди ва амирлар билан бирга амир Олимхон олдига қайтиб келди. Аммо, ўша пайтда бир ҳийла пайига тушди. **Байт:**

Макун дар муҳиме ки дори шитоб,
Ки аз роҳи тадбир чунон бар матоб.
[Ишингда шошилма ҳеч қачон,
Ҳийладан юз ўгирма ҳеч замон].

Унинг ўйлаб топган ҳийласи шундан иборат эдики, амир Олимхоннинг ҳузурига етишгач, амирлар устидан шикоят қилди ва амир Олимхон ҳам унинг сўзи бўйича амирлардан жаҳли чиқиб «сизлар яна бир қозоқ жамоасини қасддан қочириб юборгансиз, энди, ўша томонга қайтадан бориб, уларнинг устига бостириб боришингизга тўғри келади» деди. Амирлар амир Олимхондан бу сўзни эшитгач, ўйга толдилар. Қандай чора-тадбир ўйлаб топишни билмай қолдилар. Чунки, бу пайт Жаддий ойи¹⁵⁰⁸ бўлиб, лашкар аҳли совуқ шиддатидан қийин аҳволда қолган эди. Шу воқеа асносида подшоҳ иноятсизлигининг юракни тешар ўқи учидан оғринган ва ҳалигача шу ярасига малҳам топмай, бундай яшагандан кўра ўлишни афзал билиб юрган сипоҳилардан бир нечтаси подшоҳга қарши адоват учун унинг қонини тўкиш камарини белига боғладилар ва вақт топиб, бу иш сари қўзғалдилар. **Байт:**

Ҳар ҳийлае ки дар тасаввури ақл омад,
Кардем, акнун девонаги мебояд.
[Ақлимиз етган не ҳийла бўлса қилдик,
Энди эса телбалик қилишимиз қолди].

Бир неча муддатдан бери ул туз кўр қилгурлар амир Олимхонга нисбатан хусуматни амалга ошириш борасида ўйлаб юришарди. Айниқса, Идрискулбий ва Жумъабой қийтоқий салтанатнинг оламини ёритувчи қуёшини ҳийла ва макр этаги билан сўндириш ва подшоҳ қонини ноҳақ тўкиш фурсатини пойлаб юрардилар. **Назм:**

Дар қатли шах зи рўйи ҳасад он ду носипос,
Дамҳо заданд, кўраи тазвир тофтанд.
Ва андар шаби зуллом ба саъйи камоли хеш,

¹⁵⁰⁷ Оби ҳаёт булоғини топган Хизр алайҳиссаломнинг мангу ҳаётга эришганига ишора.

¹⁵⁰⁸ 20-декабр – 20-январь ойлари орлиғига тўғри келади.

Мўйи ғараз ба новаки ҳийлат шикофтанд.
Зи аъмоли нафс ажри шаҳодат ба шаҳ расид,
Эшон жазойи феъли бади хеш ёфтанд.
[Шоҳни қатл этиш учун ул икки ношукр,
Пуфлаб, фиреб кўрасин қизитдилар.
Қоронғу тунда кўрсатиб ҳаракатлар,
Ғараз толасин ҳийла киприги билан очишди.
Нафс ишидан шаҳодат ажри етди шоҳга,
Улар ўз ёмон феълининг жазосин топишди].

Бунинг қисқача тафсили тез орада баён қалами томонидан рақам қилинажак. Шоҳзода Умархон кўрнамак амирлар билан бирга маслаҳатни бир ерга қўйиб, амир Олимхонни Тошкандда ёлғиз қолдириб, ўзлари Хўқанд тарафга қайтиб кетадиган бўлишди. Ўша чоғда амирлар, барча баҳодирлар, *махрам* ва *ясовуллар* амир Олимхон билан бирга Тошкандда эдилар. Қолган лашкар аҳли шаҳардан бир фарсах наридаги Чирчиқ дарёси бўйида қурултой чақирган эди. Шоҳзода амир Умархон кўрнамак амирлар билан аҳду паймон қилгач, эртаси оқшом тундан ярми оққанда вафосиз амирлар билан уятсизлик либосини кийганча хушхиром отга миниб, йўналиш жоловини лашкаргоҳ сари бурди ва ўрдуга етишгач «амир Олимхонни ўлдирилди, замон шоҳзода Умархоннинг замони» дея жар солишди. Лашкардагилар бу чақирикни эшитиб, ўша қоронғу тунда Банот ун-наъш каби ҳар ёнга сочилиб, Хўқанд тарафга қараб кетдилар. Амир Умархон эса тезлик билан ҳаракат қилиб, тонг ёришидан бурун Оҳангарон чўлига етиб олиб, Кировчи қалъасига кирди. Ўша ерда Хушвақтни *сардор* қилиб, бир нечта жангчиларни қўйиб, ўзи Хўқанд сари кетди. Тез суръатларда довондан ўтиб, Шаҳидон мавзесига тушди ва у ердан отланиб, Сайхун дарёсидан кечганча тун ярмидан ўтганда қирк нафар одам билан Хўқандга кирди ва жаҳонбонлик тахтига ўтириб, салтанат ўриндиғида ором олди ва мамалакат ишларига киришди. **Маснавий:**

Ба алтофи Илоҳи субҳи умед
Дамид аз матлаъи иқболи жовид.
Баромад меҳр аз буржи иноят,
Аён гардид шаби ғамро ниҳоят.
[Умид тонги илоҳи лутф ила,
Мангу иқбол матласидан балқиди.
Қуёш чикди иноят буржидан,
Ғам тунининг ниҳояси бўлди аён].

Амир Олимхоннинг укаси ишидан хабар топгани зикри

Гапнинг қисқаси шуки, шаҳзода Умархон йўналиш жоловини дор ас-салтана Хўқандга бургач, бу хабар эртаси куни бутун Тошканд мамлақати бўйлаб ёйилди. Барча хосу ом ҳайрат бармоғини тишлаб, фикр денгизига ботдилар. Надимлардан бири бу даҳшат аломатли хабарни етказганда Амир Олимхон ноз уйқуда дам олиб ётарди. Ўзининг қудрати ва жасурлигига мағрур юрган амир бу юракни эзувчи ҳодисанинг рўй берганини эшитиб, ваҳшат тўшагидан сакраб турди ва бор гапдан хабар топди. «Бу олам ҳодисларга тўладир» ишорати бўйича ғаддор фалакнинг не ўйин қўптирганини англади. Амирлар ва сипоҳнинг бундай журъати ва жасоратидан ҳайрон қолди. Ўша пайтда жаноб қиблагоҳ отам амир Умархоннинг кетгани тафсилотини тушунтириб бердилар. **Байт:**

Ки донад ки фардо чи ояд паид,
Магар он ки фардо ҳам ў офарид.
[Эртага нима рўй беришин ким билар,
Эртани ҳам У яратганига бокмай].

Гапнинг қисқаси, амир Олимхон ташвишли бу хабардан воқиф бўлгач, ёнидаги амирлари ва надимларини бир ерга йиғди ва «ишда машварат қилинлар»¹⁵⁰⁹ ишоратига кўра ўртага маслаҳат қуръасини ташлади. Ниҳоят, саййид Алибекни қайтадан Тошканд тахти узра ҳоким қилиб ва унинг ёнида Арслонбекни довурак жангчилардан иборат лашкар билан қолдириш ҳамда амирнинг ўзи Хўқанд томонга қайтиши юзасидан қарор қабул қилинди. Ўша вақтда Зухур *девонбеги* катта қўшин билан Сайрам¹⁵¹⁰ ни қамал қилиб турган пайт эди. Уни ўзи олдига чақиртириш учун одам юборди. Шу билан амирнинг отланиб йўлга чиқиши ҳам бир ҳафта орқага сурилди. Ўшанда амир Олимхон «инсон

¹⁵⁰⁹ Қуръони карим, 3:159.

¹⁵¹⁰ Сайрам – Қозоқистоннинг жанубидаги қадимий Исфижоб шаҳри.

эхсоннинг қулидир» ҳадиси мазмунини ўзига касб қилиб, хазина эшигининг оғзини ланг очиб, кўлини ато ва инъом сари чўзди. Хазина эшиги қувончдан инсон қулфи дили каби очилиб, тилла тангалар дарахт барглари сингари ерга сочилди. Амир шу йўл билан амирлар дили қушини эҳсон донаси билан тузоққа илинтиришга уринмасин, барибир, натижа бермади ва ҳеч фойдаси бўлмади. **Мисраъ:** Имтиҳон кардем кори ҳар касе маълум шуд (Имтиҳондан ўтказдик, кимнинг нимага кодирлиги маълум бўлди).

Айни ўша дамларда Зухур *девонбеги* ҳам қамални ташлаб, амир даргоҳига етиб келди. Шунинг эртаси куниёқ йўналиш жиловини мамлакатининг пойтахти сари тўғирлади. Бир манзил масофадан сўнг Кировчи қалъасини паргор доираси сингари ўртага олиб, ўша ерда кўш ташлади. Қалъада ўтирган Хушвақт *сардор* ҳам шу вақт қамалчиларга қарата ўқу тўфанг отишга тушди. Амир Олимхон бу ерда бирон иш чиқара олмаслигини билиб, ноилож, у ердан қўзғалганча доvon тагига бориб жойлашди. Эртаси куни у ердан отланиб, катта йўл билан тоққа қараб йўналишни режа қилди. Қизил кўприк¹⁵¹¹ манзилига етишгач, олдидан тоғлик халқ тўсиб чиққанини кўрди. Айниқса, тўфанг отишда донг таратган понғозилар жамоаси уларга қараб ўқ ва тўфанг отишга тушиб кетдилар. Амир ўтмоқчи бўлган жой жуда бир тор йўлак бўлиб, бу орада катта йўлга олиб чиқадиган бошқа ҳеч қандай ўтарлик йўқ эди. Амир Олимхон бу воқеани кўргач, чуқур ўйга толди ва қандай чора-тадбир топишни билмай қолди. Айни шу чоғда кўрнамак амир ва сипоҳилар ҳам тўп-тўп бўлиб, амирдан юз ўтирганча кета бошладилар. Амир неча дарду ҳасрат билан аттанглик кўлини бир-бирига урар ва бутун вужудини афсус-надомат туйғуси чирмаб олган эди. **Байт:**

Ҳайф аст ки зумраи одам бариаш ном,
Онро ки ҳаққи соҳиби неъмат нашносад.
[Одам қаторида номини тутиш ҳайфдир,
Ким агар неъмат соҳиби ҳаққини билмаса].

Иттифоқан, амир бу тугёнли ва ташвишли сафарда муҳтарам ҳарамлар ва анбар сочли пари чехралардан икки юз нафар хотин-қизни ҳам ўзига ҳамроҳ қилиб олиб чиққан эди. Шу олатасирда амир Олимхон олдида қирқ нафардан ортиқ киши қолмаган эди. Амирлардан эса жаноб қиблагоҳимдан бўлак битта киши ҳам йўқ эди. Охир-оқибат, маслаҳатлашиб, яхшиси, Хўжанд вилоятида амирнинг келишини интизорлик билан кутиб ўтирган Холиққул мирзо амир олдида бориш лозим, деган қарорга келишди. Бу қарор амир Олимхонга мақбул келиб, йўналиш жиловини Хўжанд вилояти сари буришди. Ўша аснода амир Умархон тарафдорларидан бири мазкур маслаҳатнинг маъқулланганидан ташвишга тушиб, уларни йўлдан оздириш учун бир ёлғон ўйлаб топиб, амир Олимхонга «аниқ бир маълумотга қараганда амир Умархон Хўжандни ҳам эгаллабди ва Холиққул мирзони ҳибсга олиб, Хўқандга олиб кетишибди» деди. Амир Олимхон бу гапни эшитгач, у томондан ҳам умидини узди. Давлатдан бутунлай айрилиб қолмасликнинг ягона чораси билиб, Тошканд ҳукуматини катта ўғли шоҳзода Шаҳрухга берди. Ўғли кетишга рухсат олиб, Тошканд томон кетди.

Алқисса, амир Олимхон қараса, иш қўлдан чиққан ва бу доvon йўлидан ўтаман дейиш ақлли одамнинг иши эмас. Ноилож неча дарду ҳасрат билан илгари кўзда тутилмаган йўл орқали йўналиш жиловини бурди ва таваккал қилганча йўл босиб кетди. Тор йўллар ва тошли тоғ сўқмоқларида отларнинг кўпи юришдан қолиб, тонгдан шомгача икки кун давомида ўта қийин бир тарзда йўл юрилди. Оёқ-кўлига ўзи ҳино кўйишга ҳам эринувчи ой юзли канизакларнинг оппоқ оёқларини шағал тошлар ёриб, болдирлари қора қонга бўялди. Чунки бу парилар бош яланг, оёқ яланг пойи пиёда чопқилаб келмоқда эдилар. Уларнинг ҳолига қиё боқадиган бир одам топилмасди. Яъни, ота ўғилга қарамайдиган, она қизи ҳолидан хабар олмайдиган вазият эди. Алқисса, учинчи куниси Бодом чашма деган жойга етиб келдилар. Бу пайтда амир Умархон барча йўлларга ўз лашкаридан одам кўйган ва улар амир Олимхонни тутиш учун худди овчи итларга ўхшаб ҳамма жойни ахтариб юришарди. Тақдирни қарангки, Умархон буйруғи билан Шодмонбек ва Муҳаммадшариф ўша Бодом чашма¹⁵¹² томонларга юборилган экан. Тасодифдан, уларнинг йўли Бодом чашма устидан тушиб, амир Олимхоннинг ҳарам аҳли билан шу ерга келганини билиб қолишади ва кўнгилларига амирни талаш фикри келади. Ўша қоронғу тунда жаноб қиблагоҳим амир Олимхонни яшириб, тезликда Муҳаммадшарифбий ва Шодмонбек олдида бордилар ва уларга қаттиқ-қаттиқ гапириб, койиган кўйи бу бекларни талон-торож ишидан қайтардилар. Ўша пайтлари мен етти ёшда эдим. Тун ярмидан оққанда қулоғимга мунгли бир йиғи товуши кирди. Кўзимни секин очиб қарасам, икки киши бир-

¹⁵¹¹ Қизил кўприк – Оҳангарон водийсидаги қишлоқ номи.

¹⁵¹² Бодом чашма – Оҳангарон водийсида, Тошканд йўлидаги қишлоқ номи.

бирини бағрига босганча пиқ-пиқ йиғлаб ўтиришибди. Бу ҳолни кўриб, болалик кўркуви юрагимга йўл топди ва жаранги тоғларни акс садо бердирадиган, кучи булоқ сувларини тоширадиган бир тарзда чинқираб йиғлашга тушдим. Шу заҳоти кимдир қўли билан оғзимни ёпди ва туркий тилда «дам тур» деди. Яхшилаб тикилсам, амир Олимхон экан. Опаси, яъни онам билан видолашаётган экан. Видолашувдан сўнг ул шижоат ўрмонининг йўлбарси фақирнинг шўр пешонасидан ўпди ва отга миниб, беш нафар одами билан қочиш йўлини ихтиёр этди. Ўша қоронғи тунда тоғма-тоғ, даштма- дашт боши оққанча ҳайрон юришди. Қаерга боришни билмасдилар. Ниҳоят, туз конига етдилар. Ул беш нафар надим амирга қараб «амирнинг бу ерда бу янглиғ журъат билан тўхташи яхшиликка олиб келмайди. Агар Ўратепа вилоятига саййидлик паноҳи Маҳмудхон олдига борсалар, айна муддао ва тўғри иш бўларди» дедилар. Бу бечора подшоҳнинг олдинда турган ўлими буйруғи ва шаҳидлик ҳукми тақдир маҳкамасида «ажаллари етса уни ўз вақти соатидан орқага суриб ҳам бўлмайди, олдинга ўтказиб ҳам бўлмайди»¹⁵¹³ « каримасига кўра аллақачон ёзилган, қисмат битиклари «барча нарса фоний бўлур»¹⁵¹⁴ калимаси бўйича ёзилиб, «яратганинг олдига рози ва хушҳол қайт»¹⁵¹⁵ « нидоси бу подшоҳ қулоғига етишган экан, шунга кўра: – Ҳа, сизлар айтганингиздек тўғри йўл саййидлик паноҳи Маҳмудхон олдига боришдир ва бу яхши бир маслаҳат. Аммо, бунга ор-номусим йўл берармикан. Ахир мен кечагина ўзимга тобеъ қилиш учун саййид Маҳмудхон устига қилич ёлонғочлаб бориб, қанчалар азоб берган бўлсам. Қолаверса, бугун унинг олдига бориб, мадад олсаму ўзим кўлим билан тинч ўтирган халқни ҳодисалар гирдобига итаришим, ободлиги ва фаровонлиги учун шунча курашганим мамлакатимни ва бир умр қилич билан фатҳ этган ўлкаларни уруш оловига ташлашим инсофдан бўлмас. Битта ўзимнинг омон қолишим учун бутун оламни ҳалокат жарига кулатишим яхши иш эмас. Азалда нима тақдир қилинган бўлса, ўшани кўравераман. Лекин, бундай ёмон отлиқ қилувчи ишнинг яқинига ҳам йўламайман. Душман олдига боришни ҳам ўзимга эп кўрмайман. Мен бу амирларга шу даража ёмонлик қилишларига сабаб бўлувчи бирон-бир ёмонликни раво кўрмаганман. Агар ул кўрнамаклар хаёлида нима ёмон ният бўлса, худога солдим, – деди ва ушбу **байт**ни ўқиди:

Аз даври фалак мерасадам даври тасалсул,
 Ҳарчанд ки дар давр маҳол аст тасалсул.
 То чанд тавон дарду ғами даҳр кашидан,
 Фарёд ки дигар натвон кард таҳаммул.
 Бо ин ҳама саргаштагии давр валекин,
 Берун наравам як қадам аз роҳи таваккул.
 Бар дафтари ўз ранг хатти ихлос набошад,
 Оре набувад маънии қуръон ба тарассул.
 Умед ки дасти мани афтода бигир,
 Он рўз ки кори ҳама афтад ба сари пул.
 [Фалак айланишидан даврим айланар мудом,
 Даврда қийин бўлса ҳам гардиши даврон.
 Қачонгача даҳр ғаму ташвишини чекмоқ,
 Фарёд ки энди чидаб туриб бўлмас ахир.
 Даврнинг бу барча саргашталигига қарамай,
 Таваккал йўлидан бир дам чимқсман четга.
 Тақдир дафтарида ихлос хати бўлмаса,
 Қуръон маънолари мағзига етиб бўлмас.
 Умидим мен йиқилганнинг қўлидан тут,
 Барчанинг йўли пулсирот устидан тушган кун].

Подшоҳ шу каби сўзларни айтгач, надимлар берган кенгашдан бош тортиб, уни табъига мос ва мувофиқ топмади. Асли зотида довураклик ва мардлик ғайрати мавжуд бўлгани боис бу маънига кулоқ осмади ва уни кўрқоқлик, қочиш санаб, бу каби ишлардан ор этишини билдирди ва «агар ажалимиз етмаган бўлса, сабаблар яратгувчиси бирон бир сабабни раво кўради, агар умримиз муддати тугаб, шаҳидлик шаробини тутқазиб турган бўлса, уни қандай рад қилиб бўлади. **Байт:**

Сари иродати мо ва остони ҳазрати ўст,
 Ки ҳар чи бар сари мо меравад иродати ўст.
 [Бошимиз ҳурматимиз, даргоҳ унинг ҳузури,

¹⁵¹³ Қуръони карим, 7:34.

¹⁵¹⁴ Қуръони карим, 55: 26.

¹⁵¹⁵ Қуръони карим, 89:27 – 28.

Бошимизга не келса унингдир ихтиёри].

Нетай, агар ёнимда жонини аямайдиган мингта ёш аскарим бўлса бу ёғий кўрнамак қавмни нима қилишимни ўзим яхши билардим. Афсус, мақсадимга етмай бу дунёдан кетмоқдаман. Ҳозир ҳам бўлса то танимда жоним бор экан бу сотқин тоифадан бўш келмай, бу хаворижий¹⁵¹⁶ тоифа билан уришиб, «мустаҳкам далил дастасидан ушлади ва уни узолмади»¹⁵¹⁷ мазмунича сабр ва таваккалнинг мустаҳкам дастасидан ушлаганча, ҳеч қачон бу ишдан ўзимни олиб қочмайман. **Назм:**

Собитқадам он аст ки аз жо наравад,
Гарчи саргашта бувад гирди замин ҳамчу фалак.
Мисли Симурғ ки аз жо набарад тўфонаш,
На чу гунжишк ки афтад ба дами боди туфанг.
[Собит қадам улдир ки жойидан қўзғалмас,
Ер атрофи гар фалакдек саргашта бўлса ҳам.
Семурғни тўфон ўрнидан қимирлата олмагандек,
Милтиқ шамоли дамидан йиқилувчи чумчукдек эмас].

Аммо, нима қилган бўлсам, ўзимга ўзим қилдим. Насихатчиларим сўзига қулоқ солмадим, ўз вақтида укам ва кўрнамак амирлар пайини қирқиб, кўнглимни улар ташвишидан холи қилмадим. Энди афсусланиш бефойда иш». **Байт:**

Чу хуршеди тобанда шуд нопадид,
Шаби тийра бар чарх лашкар кашид.
[Нур сочувчи қуёш бўлгач пинҳон,
Қоронғу тун чарх узра қўшин тортди].

Алқисса, минг бир кеча ҳодисаси рўй берган ўша кечаси зулматнинг сақичдай қора пардаси «тунга қора либос кийдирдик»¹⁵¹⁸ «тақозосича амирнинг замон қийинчиликлари остида қолган бошига не қора хаёлларни келтирди. Замон подшоҳига омонлик сармоёси ва мақсади ҳосиллик сардафтари бўлган умри азиз унга вафодорлик қилмоқчи эмаслиги, азиз бахти ёрдам бермаслиги аён бўлди.

Байт:

Ту мапиндор ки даврон ҳам яксон гузарад,
Гоҳ дар васл гаҳе дар ғами ҳижрон гузарад.
[Даврон ҳамиша бир хил ўтар деб ўйлама,
У гоҳ васл, гоҳ айрилиқ ғами билан кечар].
Байт: Ғофил машав ки қудрати соқи зи жоми даҳр,
Гаҳ софи лутф медиҳад ва гоҳ дурди қаҳр.
[Ғофил бўлма ки соқий қудрати даҳрдан,
Гоҳ соф лутф беради, гоҳ қаҳр дардин].

Ҳа, жаҳон ҳеч қачон бир хилда турмайди. Шукр қилишимиз учун саломатликни касалликка муқобил қилиб қўйибди. Чиройли мукофотга етиши учун фақрда сабрни ва савоб топишингни синаш учун бойликни яратган. Бошқалар ўзининг ёмонлик ишида фойдаланмоғи учун Сулаймоннинг мулк узугини девнинг қўлига тутқазди¹⁵¹⁹, одамлар ҳодисалар рўй беришидан уялмасин деб Юсуфни зиндон кишанига солди¹⁵²⁰ «Чунончи шоир Низомий демиш, **маснавий:**

Нишоте пеш аз ин буд он қадам рафт,
Ғуруре ки жавони буд ҳам рафт.
Ҳадиси кудакиву худпарастии,
Раҳо кун ки он хуморе буду масти.
Чу умр аз си гузашт ёхуд аз бист,
Намебошад дигар чун ғофилон зист.

¹⁵¹⁶ Хаворижийлар – 657 й. ўлдирилган халифа Усмоннинг қариндоши Сурия ҳокими Муовия халифа Алига қарши уруш эълон қилди. Фурот дарёси ўнг қирғоғидаги Сиффин деган жойда юз берган жангда Али қўли баланд келган бўлса-да, у рақиблари билан келишишга кўнди. Бундан норози бўлган Алиаскарларидан 12 минг киши жанг майдонини тарк этдилар ва *хорижий*лар деб аталган диний-сиёсий оқимни ташкил қилдилар. Халифа Али 661 й. 19 январда хорижийлардан Абдурахмон ибн Мулжам ас-Соримий деган шахс томонидан Куфа масжидидан чиқиш пайтида жароҳатланади ва икки кундан сўнг вафот этди.

¹⁵¹⁷ Қуръони карим, 2:256.

¹⁵¹⁸ Қуръони карим, 78:10.

¹⁵¹⁹ Ривоят бўйича Сулаймон пайғамбар дев, парилар устидан ҳам ҳукмронлик қилиб, уларни узуги қоши измида тутган ва вафотидан сўнг бу узук бошқа пайғамбарларга берилмасдан Сулаймон девларидан биттаси қўлига тушган, бу ерда шунга ишора қилинмоқда.

¹⁵²⁰ Юсуф алайҳиссалом воқеаларига ишора.

Нишоти умр бошад то чиҳил сол,
Чиҳил чун бигзарад резад пару бол.
Паси панжоҳ набошад тандурусти,
Ба сар кунди пазирад, пой сусти.
Чу шаст омад нишаст омад падидор,
Чу ҳафтод омад афтоди олати кор.
Ба ҳаштоду навад чун даррасиди,
Басо саҳти ки аз гети кашиди.
Дар онжо гар ба сад манзил расони,
Бувад марге ба сурат зиндағони.
Агар сад сол мони дар яке рўз,
Бибояд рафт аз ин кохи дилафрўз.
Ҳамон беҳтар ки худро шод дори,
Дар он шоди Худоро ёд дори.
Ба вақти хушдили бар вақти пуртоб,
Даҳон пур ханда дори, чашм пур об.
Чу ба гиря нашояд буд хандон,
Дар ин хандон нашояд баст дандон.
Чу субҳи он равшанон аз гиря растанд,
Ки барқи хандаро бар лаб бубастанд.
Биёмўзам туро гар кор банди,
Ки ба гиря замоне хуш наханди.
Чу чандон карди аз пурханда ҳоле,
Ба ханда тангдастиро бимони.
Набини офтобу осмонро,
Аз он хандад, ки хандонад жаҳонро.
[Бундан олдин бўлган хунсандчилик алақачон кетди,
Ёшлиқдаги мағрурлик ҳам кетди,
Болалик ва бебошлик эртаги ҳам,
Унут, у бир хумор ва мастлик эди.
Умр йигирма ёки ўттиздан ўтса,
Ғофиллик билан яшаб бўлмайди энди.
Умр хурсандчилиги қирқ ёшгача,
Ундан ўтса қанотсиз қушсан.
Элликдан сўнг соғлиқ қолмас,
Бошдан ўткирлик кетади, аёқдан куч.
Олтмишда сен ўтириб қоласан,
Етмишда энди ишга ярамайсан.
Саксон, тўқсонга кирсанг,
Оламдаги барча азиятни кўрасан.
Юзга агар етса ёшинг,
Суратда тириксан, аслида ўлик.
Юз йилдан ҳам ошса ёшинг,
Бир кун кетасан бу гўзал оламдан.
Яхшиси сен шод яша,
Бу шодликда сен Худони эсла.
Хурсадчиликда куласан,
Кўз ёш тўкганда йиғлайсан.
Йиғлаганда кулиб бўлмас,
Кулганда эса йиғлаб.
Ғамдан қутулганлар кулиб,
Кулгидан ўзларини тутаолмайдилар.
Сенга айтай: ишни билсанг,
Кўз ёш билан кулиб бўлмас.
Жуда кўп хурсандчилик қилсанг ҳам,
У сени муҳтождек кўрсатади.
Осмон ва қуёшни ҳам кўролмайсан,

Чунки улар кулиб, оламини ҳам кулдирадилар)

Алқисса, амир Олимхон чор-ночор неча минг дарду ғам билан тақдирга тан берди. Сайхун дарёси қирғоғи бўйлаб тепа сари кетаверди. Ўша зулматли тунда Бодом чашмада биз билан қолган мухтарам ҳарамлар ва ҳарам канизаклари бу янглиғ қора кунларни ҳатто тушларида кўрганида ҳам юраклари ёрилиб ўлардилар. Туннинг қоқ ўртасида ўз соҳибидан айрилиб қолганини билиб, нола-ю оҳ тортганча зор-зор йиғламоққа тушдилар ва ушбу туркий мисраъ тилларидан жорий бўлди. **Мисраъ:** Бўлмасун ҳеч ким, ёраб, бунда султондан жудо (Эртаси куни неча ғам ва андуҳда Хўқанд сари юзландик]. Амир Олимхон жуда тезлик билан тонг отмасдан бурун Оқжар номи билан танилган Ашт кечуви орқали дарёдан қон ичар наҳанг каби ўтгач, субҳи содиқ кемаси ҳам тун қоронғулиги қаъридан чиқиб, уфқ соҳилига етишди. Ўша пайтда беш надимидан битта ғулум ва Зухур *девонбеги* ёнида қолган бўлиб, амир Олимхон ушбу байтни қайта-қайта такрорлар эди. **Байт:**

Эй ҳамнафасон оҳ ки бе ёр бимондем,
Дард аст ғаму ҳажр гирифтор бимондем.
[Эй, оҳга ҳамнафаслар, бунда ёрсиз қолдик,
Дарду ҳижрон ғами, ўзимиз домга солдик].

Айни пайтда амир Умархон лашкар аҳлига амир Олимхон масаласида сергак бўлиб туришни буюрган ва улар барча ерларга пистирма қўйган эдилар. Иттифоқо, амир Олимхон келаётган тарафда амир Умархоннинг қайин отаси Раҳмонқулбек Андижон сипоҳи билан Анқо қушига тузоқ қўйиб ўтирганди. Унга Фарғона подшосининг ёлғиз ва саргардон ҳолатда ушбу бепоён даштда ғаму алам билан кетаётгани хабари етиб келди. Хабар етиб келгани ҳамано ул малъунлар шу заҳоти отланиб, ул шижоат майдони шерини қувлашга тушдилар. Айни ўша чоғда амирнинг «Обноқ юз» номли шамолдан ҳам тез учар оти юришдан толиққан бўлиб, қипчоқ жамоасидан ўн нафар найзадор малъунлар бошқа таъқибчилардан олдинга ўтиб олиб, амир кетидан етиб келишди ва ул бевафо кўрнамак гумроҳлар бахту саодатнинг жаҳонни кўрсатувчи жомини исён тоши билан чил-чил синдириб, мақсади ҳосиллик биносини бадномлик болғаси билан қулатдилар ва мурод хирманини бадбахтлик тўфони қўли билан фано елига совурдилар. Қипчоқ жамоаси тўраларни ўлдириш билан ном чиқарганлар, ўзбек қавми ичида ул қавмдан ёмонроғи ва баттоли йўк. Чунончи, Бухоро подшоҳи Убайдуллоҳ хон¹⁵²¹ни ҳам ана шу қипчоқлар неча хору зорликда шаҳид қилганлар. Бу ҳақда илгари ёзган эдик. Ўзларининг ўтмишдаги уруғдошларидан қолишмайдиган бу жамоа ҳам «ҳар бир нарса ўз аслига қайтади» ҳадиси мазмунига кўра ва ушбу **байт:**

Оқибат гургзода гург шавад,
Гарчи бо одами бузург шавад.
[Бўри боласи барибир бўри бўлади,
Гарчи одамлари ичида ўсса ҳам]. – гаплари бўйича, «Оллоҳнинг ғазаби ва лаънатига

дучор» ва «жойлари жаҳаннам бўлгур» бу гуруҳ уятсизлик либосини кийиб, золимлар билан маслакдош бўлиб, ул жаҳон султони атрофини ўраб олдилар. **Байт:**

Ку чашм ки бингарад бадон рўй,
Ку пойе ки раҳ равад бадон сўй.
[Ул томонга қарашга кўз қани,
Ул тарафга юришга оёқ қани].

Гарчи салатанат шавкати юрт бошқариш шариатидаги иймон вожибларидан бўлса-да, ва подшоҳларни ҳақорат қилиш жаҳонбонлиқ тариқатидаги таъқиқланган амаллардан эса-да, бунга риоя қилиб ўтирмадилар ва бу ҳаром феълни ҳалол билдилар ҳамда шармсизлик қалқонини шум юзларига тутиб, вафосизлик йўли бўйлаб қадам босдилар. Бечора подшоҳ замона босқин-чопқини ҳамласи зарбасидан ҳар лаҳза қон тўла бағир ва ғам-ғуссали юрак, минг булоқли ёшли кўз билан от қувдириб борарди. Қараса, иш қўлдан кетган. Ноилож юзини жанг сари ўгирди. Шерюрак подшоҳ қўлини қиличи сари югуртириб, битта ўзи ул тўнғизлар галаси орасида қолди ва мардлик намунасини кўрсатишга шайланди. **Байт:**

Ки анқо боз монад аз паридан,
Зи гунжишкон лагад бояд кашидан.
[Анқо учишдан қолса чумчуқларнинг
Тепкисини кўтаришга мажбур бўлади].

Кескир қиличини қинидан суғуриб, шеру қоплон каби тўнғизлар подаси сари юзланди. **Байт:**

¹⁵²¹ Убайдуллоҳ – Убайдуллоҳ Муҳаммад Баҳодирхон (1681-Бухоро-1711.16.3), Бухоро хони (1702-11), аштархонийлар сулоласидан. Субҳонкулихоннинг ўғли.

Чу хусрав ки танҳо кунад кору зор,
Чи ёбад дар он дашт чандин савор.
[Подшоҳ ёлғиз қолиб ўзи урушса якбор,
Ул отлиққа тўла даштда нимага эришар].

Шу тариқа душманларга ҳамла қилди ва атрофидаги Сурайё юлдузи каби бир ерга тўпланган бу лаънати жамоа йиғинини Банот ун-наъш юлдузлари туркуми¹⁵²² каби ҳар ёнга сачратиб юборди.

Байт:

Ба як ҳамла он шери мардумшикор,
Баровард аз хайли душман димор.
[Бир ҳамла билан у инсон овловчи шер,
Душман тўпи бошидан чиқарди олов].

Бир зумда иккита нопокнинг калласини танасидан жудо қилди. Яна бир малъун эса ул шерюрак подшоҳга найза ўқталди ва подшоҳ унинг найзасини нопок қўлидан тортиб олиб, тагин учтасини шу найза билан жаҳаннам сари юборди. **Байт:**

Фалак гуфто: хуш аст он қабзаи даст.
Замин гуфт: офарин бодо бар он даст.
[Фалак деди: не хушдир ул қўл панжаси.
Ер ҳам деди: арзир офариннинг қанчаси].

Қолган бештаси бу ҳолни кўриб, қочишга тушдилар. Ўша пайтда, тақдирни қарангки, ул жамоадан жаллодликда Шамрни ўзига устоз билган биттаси ногоҳоний бало каби етиб келди ва қочоқларни орқага қайтарди ва амир Олимхон сари юзланди. **Мисраъ:** Шере ки асири сағ шавад ҳам зи қазо аст (Шер ит қўлига асир тушса бу тақдирдан бўлак нарса эмас); Ул лаънати тўфангни юракни тешар ўқ билан ўтлади ва отган ўқи амирнинг Мовароуннаҳрда тилларга тушган холдор чиройли юзини пиёз қовуғи каби шилиб ўтиб, ул хусравнинг орқасидан текканча, кўкрагидан тешиб чиқди. Мамлакатда энг кучли ҳисобланган подшоҳ эгарга қапишиб, аянчли бир алпозда отининг ялини муборак тиши билан чайнаганча ул елдек учар отнинг бўйнини бир томон тортиб, қиялаган кўйи юз тубан ерга қулади ва неча хору зорликда тупроқ ва қонга беланди. **Байт:**

Сулаймоне афтода дар пойи мўр,
Яке пашша карда бар фил зўр.
[Сулаймон йиқилди чумоли пойига,
Пашша зўрин ўтказди фил тойига¹⁵²³].

Фақат пок парвардигоргина ўлмайдиган зот бўлгани ҳикматидан инсон тоифасига киргувчи бул подшоҳ дарҳол ҳақ чақириғига лаббай деб жавоб берди. **Назм:**

Жаҳон, эй бародар, намонад ба кас,
Дил андар жаҳонофарин банду бас.
Макун такя бар мулки дунёйи зишт,
Ки бисёр кас чун ту парварду кушт.
Чу оҳанги рафтан кунад жони пок,
Чи бар тахт мурдан, чи бар рўи хок.
[Эй биродар, ҳеч кимга қолмас бу жаҳон,
Дилни ростла жаҳонни яратгувчи томон.
Бу тубан дунё мулкига суянма ҳеч замон,
Сендекларни ўстириб, келтирди сўнг қирон.
Пок жон истаса гар кетмоқни охират томон,
Не фарқ этар тахтда ўлмоғ ё ерда бермоқ жон].

Ўша пайтда Хўқанднинг бир фарсахлик яқинига етилган эди. Раҳмонқулбий ул мархум шаҳид устига етиб келиб, шоҳни бу аянчли аҳволда кўриб, бутун вужудидан ўт-олов чиқиб кетди. Дарҳол ўзини отдан ерга ташлади ва юзини шаҳриёрликнинг кўрар кўзи оёғига суркаб, йиғлашга бошлади. Бирор соатдан сўнг ароба тайёрлаб келдилар ва ягонаи даврон, замона дуру гавҳари (амир жасади)ни арава устига ирғитиб, Хўқанд сари равона бўлдилар. Бу воқеа хабари амир Умархон қулоғига етгач, ташқаридан хурсандлик қилиб тургандек кўринса-да, ичидан ака-укалик меҳри жунбушга келиб, ҳасрат оловида куйди. Хосу ом ҳамма амир Олимхоннинг жасадини кутиб олиш учун чиқдилар ва бақириқ-чақириқ, доду фарёд билан шаҳарга олиб кириб, хилхонасида тупроққа топширдилар. Амир

¹⁵²² “Банот ун-наъш” (ўлик қизлар) – араблар Етти қароқчи (Катта айиқ) юлдузлар туркумини шундай атайдилар. Бадиий адабиётда бир-бировдан айро тушиш рамзи сифатида ҳам ифода этилади.

¹⁵²³ Ҳайвонот олами тилини билувчи Сулаймон пайғамбар ва унга чигиртка оёғини совға сифатида олиб келган чумоли хикоясига ишора.

Олимхоннинг уч нафар ўғил фарзанди бор бўлиб, биринчиси мағфиратли шаҳид шаҳзода Шаҳрух, иккинчиси Оталиқ хон номи билан танилган мағфиратли шаҳид Иброҳимхон, учинчиси Муродхон эди. Яна учта мухтарам қизи бор эди: Ойимхон, Улуқхон ва Офтобхон. Ва амир Олимхоннинг салтанат муддати ўн икки йил, умри ўттиз олти ёш бўлди.

Шаҳзода Шаҳрух ибн амир Олимхоннинг шаҳидлик шарбатини татигани зикри

Шаҳзода Шаҳруххон бузруквор отасидан рухсат сўраб, жуда тезлик билан бир кечада ўзини Тошканд вилоятига етказган ва ҳукумат ўриндиғига чиқиб ўтирган вақтда Тошкандлик амирлар ғайб пардаси ортидан нима кўриниш бераркан дея давлат учун отилган қимор соққасига термулар эдилар. Шу пайтда амир Олимхоннинг шаҳид бўлгани хабари келиб қолди. Бу хабарни эшитган заҳоти амир Умархондан кўрқиб, ул куфрони неъмат кўрнамаклар эндигина жаҳоннинг бу буржига келган шаҳзода Шаҳруххонни ушлаб, бу ҳақда амир Умархонхон ҳузурига хабарчи юбордилар. Амир Умархон воқеа хабарини эшитгач, дарҳол Баҳодирхожа ва Назарбекни ул шоҳзодани ўлдирмак учун жўнатди. Ул икки жаллод тез суръатларда бегуноҳ шаҳзодани Тошканд вилоятидан ташқари чиқариб, Хўканд томонга қайтдилар ва Оҳангарон чўли мавзесига етганда ўша жойда тунаш баҳонаси билан қолдилар. Шу кечасиёқ ўлим гулистонининг тез учар шамоли ҳали салтанат жуйборидан тўйиб сув ичмаган навнихолни ер тубан қулатди ва ўлим панжаси подшоҳлик қутисидаги дурни фано ботқоғига улоқтирди. **Маснавий:**

Ажал хонаи тан бипардохташ
Пас аз тахт бар тахта андохташ.
Жаҳон кор аз ин гуна бисёр кард,
Замона нахустин на ин кор кард.
Ҳамон аст ин чархи фирузафом,
Ки гардид гирди сари Ҳому Сом¹⁵²⁴.
Ҳамон аст ин золи зебо ниҳод,
Ки дар аҳди Жам буд ва Афросиёб¹⁵²⁵.
[Ажал тан хонаси сари юзланди,
Сўнг тахтдан тахтага ташлади.
Жаҳон бу каби ишдан кўпин қилган,
Замонанинг ҳам бу биринчит иши эмас.
Бу феруза фом чарх шундай ўзи,
Ҳому Сом бошидан ҳам шундай чарх урган.
Шундайдир зебо асослининг зол кампири,
Жамшид ва Афросиёб замонидан ҳам].

Жаллодлар шаҳзода бўйнига камон ипини солиб, бўғиб ўлдирдилар ва жасадини Пайғамбар Ото қабристонига кўмдилар. Бир неча кундан кейин наъшини у ердан кўчириб, отаси олдиға ўзларининг хилхонасига келтириб дафн қилдилар. Умри муддати ўн саккиз йил бўлди ва ундан учта гўдак ўғил бир қиз фарзанд ёдгор қолди. Ўғиллари Ҳайдархон, Саримсоқхон ва Каттахон эдилар.

Амир Умархоннинг шоҳлик тахтига чиқиши зикри

Амир Умархон илоҳий амр билан шоҳлик тахтининг ҳарир ўриндиғига гул янглиғ ўтиргач ёки шароб ичидаги маст қилувчи дурд тиниқлик касб этгандек ором олгач, хутба пояси ҳумоюн исми билан минбар каби баландликка кўтарилди ва танга эҳтиромли номи билан азизлик мартабасини топди. Ул асрнинг машҳур шоирлари амир Умархоннинг тахтга чиқиши таърихи, яъни санасини «Умар ба адл нишаст» сўзларидан чиқардилар. Ул шоҳвор гавҳар фармон берувчилик тахтига ўтириб, Фарғона мамлакатини адолат зийнати билан беади ва ўлкада тўла адолат ўрнатиб, фуқаро арз-додига етди. **Назм:**

Шуд аз анвори адлаш мулк равшан,
Зи файзи ҳимматаш гети чу гулшан.
Зи фитна аҳли оламо омон дод,

¹⁵²⁴ Ҳом ва Сом – ривоятларга қараганда Нух набийнинг фарзандлари.

¹⁵²⁵ Афросиёб – афсонавий Самарқанд турк подшоҳининг номи.

Ба аҳдаш адли Кисро рафт аз ёд.
Асоси шаръ аз теғаш матин шуд,
Дуогўяш ҳама рўйи замин шуд.
[Адли нуридан мулк бўлди равшан,
Ҳиммати файзидан юрт мисли гулшан.
Халқ яшади бўлиб ҳам тинч, ҳам омон,
Кисро (Хусрав)¹⁵²⁶ адолати даврин унутди аҳли замон.
Шаръ асоси қиличидан бўлди мустаҳкам,
Дуолар қилди барча халқ ва ўзгалар ҳам].

Бўлиб ўтган фитналарнинг хамиртуруши ҳисобланган Ирискулбий ва Жумъабой Қийтоқий каби иккита ҳаромнаманинг бошини қай бир азоб-уқубат билан нопок танасидан жудо қилдирди.
Байт:

Аз ситам ҳар кас дилеро реш кард,
Он жароҳат бар вужуди хеш кард.
[Ким ситам билан бировнинг дилин яраласа,
Аслида бу билан у ўз вужудини жароҳатлайди].

Ўша пайтлари Ражаб *девоубеги* амир Олимхондан ҳадикка тушиб, амир Ҳайдар подшоҳ олдиға кетган ва у ердан ҳам қочиб, Шаҳрисабзға келиб яшамокда эди. Бу хабарни эшитиб, тўхтовсиз равишда ўзини амир Умархоннинг узангисини ўпиш сари етказиб, кўрунуш йўсинини бажо келтирди. Бир неча кундан сўнг амир Умархон ул шер юрак ҳаққиға подшоҳона меҳрибонликлар қилди ва Тошканд ҳукуматини унга топширди. Ўша кезларда амир Умархон билан амир Ҳайдар подшоҳ ўртасида дўстлик ришталари боғланиб, амир қиблагоҳимнинг амакиси жаноб саййидлик паноҳи Тўрахожа *хожаи калон*¹⁵²⁷ ни элчилик йўсини билан Бухороға амир Ҳайдар¹⁵²⁸ подшоҳ ҳузуриға юборди. Амир Ҳайдар аларнинг қадамини муборак билиб, жуда эъзоз ва икром кўрсатди. Хожа амир Ҳайдар подшоҳ билан янғидан аҳду паймон битимини тузишға эришди. **Байт:**

Фиристода бояд ки доно бувад,
Ба гуфтан далеру тавоно бувад.
[Юборилган элчи доно бўлсин,
Гапда қўрқмасу кучли бўлсин].

Рухсат берилгач, Бухородан чиқиб Хўқанд сари қайтдилар. Ўратепа мавзесига етишгач, саййидлик паноҳи Маҳмудхонхожа укаси Султонхонхожа билан бирға *хожаи калон*ни кутиб олиб, ўз уйиға туширди ва унинг ҳурмати учун яхши бир меҳмондорчиликни адо этди. Ўшанда Маҳмудхон Тўрахожа орқали ўз арзини ҳам амир Умархонға айтиб юборди. Тўрахожа жаноблари Хўқандға етгач, Маҳмудхоннинг сўзини амир Умархонға етказди. Амир Умархон шундан бир неча кун ўтиб, жаноб қиблагоҳимни Ўратепаға юборди. Саййидлик паноҳи Маҳмудхон хожа бу хабарни эшитиб, Оқсув қирғоғиғача укаси жаноби эшон Султонхон билан отамнинг истиқболиға чиқиб, ўз уйиға туширди ва яхши меҳмондорчиликлар қилди. Зиёфатни шу даража куюқ қилдики, ҳали бундайини кўз кўриб, кулоқ эшитмаган эди. Қисқаси шуки, Маҳмудхон амир Ҳайдар подшоҳдан кўнғил узиб, амир Умархон тарафға оғди ва икки ўртада қаттиқ аҳду паймон битими тузилди. Бир неча кундан кейин Маҳмудхон жаноб Султонхон эшонни қиблагоҳимнинг ёниға қўшиб, кетишларига рухсат берди ва ўзи то Оқсув қирғоғиғача ҳар икки қиблагоҳимни кузатиб қолди. **Байт:**

Фироки дўст агар андак аст, андак нест,
Даруни дида агар ними мўст бисёр аст.
[Дўстдан озгина айро тушилса ҳам кўпдир,
Кўзға яримта қил кирса ҳам кўпдир].

Ҳар икки қиблагоҳ амир олдиға етишгач, амир Умархон жаноби Султонхон эшонни жуда эъзозлаб, чексиз меҳрибонликлар кўрсатди ва қайтиб кетишларига ижозат берди.

Амир Умархоннинг Жиззах томонға қўшин тортиб боргани зикри

Саййид Султонхон кетгач, амир Умархон катта бир қўшин билан отланиб, уч манзилдан сўнг Хўжанд вилоятиға келиб тушди. Эртаси куни ул вилоятдан кўчиб, Жиззах томон йўналди. Ўша фурсатда саййидлик паноҳи Маҳмудхон Ўратепа амирлари билан олти фарсахлик ерда олдиға пешвоз

¹⁵²⁶ Адолатлилиги билан танилган Эрон шоҳи Касро(Хисрав) кўзда тутилмоқда.

¹⁵²⁷ Хожайи калон – хожаларнинг каттаси, сараси. Саййидларға бериладиган фахрий унвон.

¹⁵²⁸ Амир Ҳайдар Шохмурод ўғли 1800-1825 йиллари Бухорода амир эди.

чиқиб, амирни кутиб олди ва мулоқот амалга ошгач, амир Умархон саййидлик паноҳи ҳақида подшоҳона меҳру муҳаббатлар адо этди. Ул саййид маслаҳатига биноан жуда тез суръатлар билан йўл юриб, уч кеча-кундузда Шероз даштига етиб олди ва амир сипоҳилар ул мавзеъ аҳолисини шу даража талашдики, чакалоқ дунёга қандай ҳолатда келса, ўшандай қип-ялонғоч ҳолатда судраганча асир қилиб олиб кетдилар. У ердан қайтиб, Жиззах қалъасини уч кечаву кундуз узук қоши каби ўраб, қамалда тутдилар. Сўнг Хўқанд сари қайтиб кетдилар. Хавос мавзесига етганда амир Умархон Жиззах юришида бирга қатнашган саййид Маҳмудхонга чексиз инъомлар билан маҳрибонлик кўргузиб, уйига кетишга руҳсат берди. Ўзи эса Хўжанд кўрғонига кириб борди. Бир неча кун айшу ишратга машғул бўлди ва сўнг у ердан кўзғалиб, уч манзил юргач Хўқандга етиб олиб, давлат ишларига киришди. **Байт:**

Чун ҳиммати ў баланд чун бахти жавон,
Чун давлати ў жавон чун ҳукми равон.
[Ёш бахт каби ҳиммати осмон эди,
Тўғри ҳукмдек давлати навқирон эди].

Бу даврлар амир Умархоннинг акаси амир Олимхоннинг Хон Оталиқ ва Муродхон номли икки хонзода ўғилларини ватандан ҳайдаб чиқариб, Қоратегинга Абдулазизхон олдига жўнатган пайтлар эди. Шоҳ Абдулазизхон ул икки хонзода қадамини баракатли санаб, улар тарбиятига машғул бўлди.

Бир неча вақт ўтиб, амир Умархон амир Ҳайдар подшоҳнинг Пешоғар устига келгани ва ул бузилиб ётган қалъани обод қилиб, Худоёр валинеъматнинг ўғли Муҳаммадраҳим *девонбегига* топширгани ҳамда кўнглида Ўратепани қамал қилиш истаги борлигини эшитиб қолди.

Амир Умархоннинг амир Ҳайдар подшоҳ устига лашкар тортгани ва бу хабарни эшитган амир Ҳайдар подшоҳнинг Самарқанд тарафга қайтиб кетгани зикри

Мазкур хабарлар амир Умархон қулоғига етгач, тўхтовсиз равишда Фарғона лашкари билан Ўратепа томонга юзланди. Бир неча масофани босиб ўтгач, ул вилоятга етишди ва амир Ҳайдар подшоҳнинг Пешоғар устида қурултой йиғини ўтказаетганини эшитди. Дарҳол урушқоқ кўшин билан манғит лашкаргоҳи томон отланди. Амир Ҳайдар подшоҳ амир Умархоннинг бу тарафларга келганидан воқиф бўлиб, апил-тапил ул мавзедан кўзғалганча Самарқанд томонга қайтиб кетди. Амир Умархон шабгир усулини кўллаб, кечаси тез суръатлар билан юрганча куёш чиқиш маҳали Пешоғар қалъасига етиб борди. Қараса «пай ҳаст, Ҳайдар нест» (изи бор, лекин Ҳайдарнинг ўзи йўқ)¹⁵²⁹ ва амир айтган бу сўзлар шу воқеа таърихи бўлди. Пешоғар қалъасини узук ўртасига ўрнатилган қош каби ўраб, қамал ишига киришди. Уч кундан сўнг кўзғалиб, Ўратепа томонга қайтди. Ул вилоятга етиб келгач, амир Умархон кўнглига шаҳарга кирмоқ ва саййидлик паноҳи Маҳмудхон кўшида фотиҳа ўқимоқ истаги келди. Амирлар Умархон хизматига арз қилиб «саййидлик паноҳи илгари қаршилиқ ноқорасини чалиб юрарди, хизматингизга ўтдим, деганига ҳам ҳали ҳеч қанча вақт бўлмай, айни чоғда подшоҳнинг ўзгалар шаҳрига кирмоғи ҳикматдан йироқ ва ақлдан узоқ нарса кўринади» дейишди. Амир Умархон амирларнинг бу янглиғ гапини эшитди, бироқ, табиатидаги туғма шижоат юзасидан уларнинг гапига илтифот назари билан боқмади. Жаноб қиблагоҳимни қирқ *маҳрам* билан бирга ёнига солганча қолган кўшинни Ражаб *девонбегига* топшириб, шаҳар сари юзланди. Ўз фикрларини иккинчи марта амир Умархон арзига етказишга амирларнинг юраги дов бермади. Чор-ночор оғизларига жимжитлик муҳрини босганча моддий ва илоҳий нарсаларни яратган эгамдан амирнинг мақтов сифатли зоти саломатлигини тилашга киришдилар. Амир эса шаҳарга кирди ва саййидлик паноҳи меҳмондорлик шароитларини бекаму кўст адо этди ва амирнинг бошидан тилло тангалар сочди, оёғи остига қимматбаҳо шол газламалар, зарбофт парчалар, кимхоб матолар ташлади. Турли-туман қимматли асбоблардан кўплаб совға ва ҳадялар тортиқ қилди. Учрашув ўтириши тугагач, амир Умархон жаноб сиёдат паноҳ билан бирга ўз ўрдусига қайтиб келди. Амирлар лашкар аҳли олам шоҳини соғ-саломат кўргач, барчасининг юраги қувончларга тўлиб, хушвақтлик ила кулгу табассум ушбу байтни айтар эдилар. **Байт:**

Аз ин навиди муборак ки ногаҳон омад,
Башорате ба дилу муждае ба жон омад.

¹⁵²⁹ Али ибн Аби Толибни улуғлайдиган бир оқим исломдан бурунги бошқа бир оқим қоидаларига тақлидан соя-салқин ва боҳаво тоғлик ерларда ҳазрат Алининг рамзий қабрини ясаб, бу сўлим ерларни зиёратгоҳга (масалан, Афғонистондаги Мозори шариф ва Фарғонадаги Шоҳимардон каби) айлантириб, айрим ерларга ҳазрати Али қадами ва оти Дулдулнинг туёғи изи қолган (масалан Хоразмдаги “Дулдул ҳатлаган”) деган ақидани илгари сурганлар. Бу ерда шунга ишора қилиниб “Алининг изи бор, лекин ўзи йўқ” гапи билан сўз ўйини қилинмоқда.

[Тўсатдан келган бу муборак хушxabардан,
Дилга бир башорат ва жонга бир мужда етди].

Амирнинг бу иши Мовароуннахрнинг барча ерига ёйилди. Барча хосу ом ул карамли султоннинг довюраклиги ва донолигидан ҳайратда қолиб, таҳсин ва офаринлар айтишди. Сиёдат паноҳнинг ишига ҳам қойил қолиб «мошоаллоҳ» дедилар. Хуллас, амир Умархон ҳам саййидлар паноҳи Маҳмудхонга подшоҳона меҳру муҳаббатлар кўрсатди ва қайтишига рухсат берди. Ўзи эса Хўқанд тарафга қайтди. Беш манзил йўл юргач, мамлакатининг пойтахтига етди ва бир неча кун давомида йўл ҳордиқларини ёзди. Ўшанда биродарим Маҳмудбек ўғли Исҳоқбекнинг ўз амакиваччаси амир Ҳайдар подшоҳдан ҳадиксираб, неча қийинчилик ва машаққат ила қочганча Шаҳрисбзга келган пайти эди. Ниёзали *девонбеги* унинг қадамига ҳасанот айтиб, иззат-икром кўрсатди. У ердан чиқиб, Ўратепа вилоятига ўз холасининг ўғли саййидлик паноҳи Маҳмудхон олдига келди. У ердан эса амир Умархон узангисини ўпиш учун етишиб, кўруниш маросимини бажо келтирди ва амир уни кўп ҳурматлаб, хос надимларидан бирига айлантирди.

Амир Умархоннинг Дашти Қипчоқ томонга қўшин тортгани ва ҳазрат Аллоҳи таоло фазли билан Туркистонни фатҳ этгани зикри

Амир Умархон келгуси йили баҳор фаслида Фарғона лашкари билан Тошканд томон юзланди. Сайхун дарёсидан кечиб, тоғ довонидан ўтгач, Қурама вилоятидаги Оҳангарон чўлғоҳига кириб борди ва у ердан кўчиб, Тошканд вилоятига қўш ташлади. Тошканд ҳокими Ражаб *девонбеги* хизматкорлик тариқи ва меҳмондорлик равишини бекаму кўст адо этди. Ўша вақтда ҳозир Туркистон номи билан машҳур ва султонил авлиё Хожа Аҳмад Яссавий қабри жойлашган Ясси қалъаси амир Ҳайдар подшоҳ тасарруфи остида эди. Амир Умархон ул вилоятни эгалламоқни истаб, бу ҳақда амирларига маслаҳат солди. Шу чоқ йиғинда ўтирган Ражаб *девонбеги* ўртадан чиқиб, агар жаҳон паноҳ ҳазратим каминани Тошканд ҳокимлигидан бўшатиб, ўз даргоҳлари остонасини ўпиш шарафига муяссар қилиб Хўқандга олиб кетсалар, худо хоҳласа, ўзим шу Ясси вилояти фатҳига мутасаддийлик қилгумдир, деб қолди. Амир Умархон унинг сўзини қабул қилди ва тўхтовсиз равишда ул вилоят сари юзланди. Тошканд вилоятидан чиққач, Ражаб *девонбегини* лашкарнинг илғори қилиб, олдинроқ кетишига рухсат берди. Ўзи отланиб, унинг орқасидан кетаверди. Ражаб *девонбеги* урушқоқ ва ботир жангчилар билан Ясси томон равона бўлгач, ўн кунлик йўлни уч кеча-кундузда тез суръатларда босиб ўтиб, қалъага бир фарсахлик ерда ярим кечаси жангчиларини отдан тушириб, секин-аста қалъа томон юзланди. Тонг отмасдан Ясси кўрғонига етиб олишди. Дарвозага етгач, қарасалар, дарвозабонни ғафлат уйқуси элтибди. Жангчилардан бир нечтаси не азобда нарвонларни қалъа деворига шундай жипслаб ёпиштирдиларки, Бухоро минорасининг тош банди ҳақидаги ривоят одамлар ёдидан чиқиб кетди. Нарвон пиллапоясини битта-битта босиб, қалъа тепасига кўтарилдилар ва ўзларини таппа-таппа кўрғон ичкарасига ташлаб, дарвозахонага етдилар. Ноз уйқуда ётган дарвозабонларнинг барисини қилич дами билан то қиёматгача уйғонмайдиган қилгач, бу жиҳатдан кўнгиллари тинчиб, дарвозани Ражаб *девонбегига* очиб бердилар. *девонбеги* одамлари дарҳол ўзларини қутбул ақтоб султонил орифин Аҳмад Яссавий мазор ичига урдилар. Ва бул букъа Амир Темур соҳибқирон қурдирган бинолардан бўлиб, жуда бир баланд иморатдир. Ким шу макон ичига кириб олса, шаҳар ўша кишиники бўлади, деган нақл бор. Шаҳар халқи ва Бухоро лашкари фалакнинг бу каби ўйинидан воқиф бўлгач, ҳайрат бармоғини тишлаганча бу балога не илож топишини билмай, ҳайрон ва саргардон туриб қолдилар, фарғоналик жангчилар эса қўлларини қатл ва талон-торож учун чўздилар. Шундай босқин-чопқин қилдиларки, аҳоли қўлида нарса қолдирмай талаганликлари сабабли халқ наздида бир парча эски латта кимхобга дўнган, агар кимдир савоб учун биронтасига эски кўйлагини берса, одамлар уни талаб-тортишга тушар эдилар. **Байт:**

Аз биёбони адам бар сари бозори вужуд,
Ба талоши кафане омада урёне чанд.
[Йўклик даштидан борлиқ бозори бошига,
Нечалар кафан илинжида ялонғоч келишди].

Ул аср шоирларидан бири бу қалъа олиниши таърихини қуйидагича топган экан. **Таърих:**

Доҳили қалъа гашт дар дами субҳ,
Сарварони сипоҳи шоҳи жаҳон.
Мебарояд ҳисоби таърихаш:
«Субҳ» дохил шавад ба «Туркистон»¹⁵³⁰.

¹⁵³⁰ Тарих 1233/1818 йил (17 мартни) беради.

[Тонг пайти қалъа ичига киришди,
Жаҳон шоҳи сипоҳининг бошлиқлари.
Таърихи ҳисоби чиқади шу сўзлардан:
«Туркистонга тонг кириб боради».)

Яна бир шоир айтган **таърих** эса будир:

Гирифт нухуми моҳи жумоди-л-аввал,
«Мулозимони рикоби ту мулки Туркистон».
[Олди жумоди-л-аввал ойининг тўққизида,
Узангинг мулозимлари Туркистон мулкин].

Ражаб *девонбеги* вилоятни эгаллаш ишларидан қутулгач, амир Умархон олдиға суюнчилаш учун одам юборди. Амир Умархон икки кундан сўнг шаҳарга кириб борди ва тўппа-тўғри малаклар посбонлик қилувчи ул муқаддас даргоҳға етишиб, зиёрат шартларини бажо келтирди. Айтишларича, мазкур ҳазрат султонил орифин мақбараси ичида ниҳоятда катта бир қозон бор эмиш. Ичига пишириш учун назрини солишса, садақа берган одамнинг ниятига қараб тўлар эмиш. Чунончи, Дашти Қипчоқ улуғларидан биттаси беш юз қўй бош сўйиб, қозонга ташлабди, аммо, қозон тўлмабди. Яна биров эса беш қўй билан қозонни тўлдирган экан. Амир Умархон эса назр қилган етмиш бош қўй билан қозон тўлибди. Бундай гаплар бутун Мовароуннаҳр бўйлаб нақл қилинади ва одамлар ишонади. Аммо, менинг наздимда бундай ривоятлар бекорчи гаплардир. Амир Олимхон Дашти Қипчоқ вилоятининг Ўкуз тоғдан то Ҳазар денгизигача ерларга тўла ҳукмрон бўлгач, Ясси ҳукуматини Шайх Бадал Мирзога берди. Ўзи Хўқанд тарафга қайтиб, Тошканд шаҳрига етишганда ўз ваъдасига вафо қилди ва Ражаб *девонбегини* мансабидан озод қилиб, ўрнига Лашкар *қўшбегини* қўйди. Сўнг йўлида давом этиб, фатҳу нусрат билан Хўқанд сари юзланди. Қуруқлик ва сув, тоғу даштларни босиб ўтиб, дор ас-салтана Хўқанд шаҳрига етишди ва давлат ишларига киришди.

Амир Умархоннинг дор ас-салтана Хўқандда подшоҳлик ноқорасини чалгани зикри

1230/1844-15 йили ул аср уламози, қайси подшоҳ ўн икки минг кишига улуфа берса, уни амир ал-мўъминин демоқ жоиз бўлади, дея фатво беришди. Ўша пайтлари амир Умархон давлатдан маош ва нафақа оладиганлар рўйхатини туздирган бўлиб, бундайлар сони қирқ минг кишига етган экан. Шунга кўра ўзига амир ал-мўъминин деб ном қўйдирди ва ўз номига хутба ўқитиб, танга зарб қилдирди ва шоҳлик тожини бошига кийиб, салтанат тахтига ўтирди. **Байт:**

Назди хирад шоҳи ва пайғамбари,
Чун ду нигин андар як ангуштари.
[Ақл наздида шоҳлик, набийлик,
Икки қошдаги бир узук деган гап].

Ўз амирларига эса чингизхонлик амалларини тақсимлаб берди. Чунончи, эшон Тўрахожа маҳдуми узмо ва эшон Султонхонхожа Аҳрорийни *хожа калонлик* унвони билан сарафроз этди, жаноб қиблагоҳимга *шайхулислом*¹⁵³¹ лик амалини бахшида қилди, кичик ёшда бўлишимга қарамай мушфиқлик ва марҳамат юзасидан каминани *нақиблик* амалига тайинлади. Мирзо охундни *қози калон*, Раҳмонқулбийни *оталиқ*, Эшон Тўрани *ўроқи калон*¹⁵³², Мирзо Қаландарни *қози аскар*¹⁵³³, Эшонхон Мавлонойни *файзий*¹⁵³⁴, Тўраҳон ва Хонхожани *мири асад*¹⁵³⁵, Умаралихожа ва Подшоҳонни *садр*¹⁵³⁶, Қосимбек ва Исҳоқбекни *девонбеги*, Муҳаммадқулибекни *мирзо*¹⁵³⁷, Ражаб ва Саййидқулибек ва Эрназарбек ва Саййид Алибекни *парвоначи*, Лашкарни *иноқи калон*¹⁵³⁸, Султон Саййидхожа ва Мақсуд хожани *судур*, Маҳмуд хожани *жилов қўшбеги*¹⁵³⁹, Мирзо Малла ва Абдулвали ва Шоҳий ва Мирзо Раҳим ва Довулни *додхоҳ*, Азим бойни *тўпчибоши*¹⁵⁴⁰, Муҳаммадсобирни *дастурхончи* ва ҳақозо мансабларга қўйди. Бошқа амалдорларнинг ҳаммасини

¹⁵³¹ Шайх ул-ислом – хонликда (Бухорода ҳам) диндорларнинг энг олий уновни. Диний бошлиқ.

¹⁵³² Ўроқи калон – катта ўрок. Вақф мулклари устидан назорат қиладиган диний амал ва унвон. Белгиси саллага тақилган ўрокча бўлган.

¹⁵³³ Қози аскар – қўшин қозиси.

¹⁵³⁴ Файзий – саййид ва хожаларга бериладиган унвон. Вақф мулклари мутасаддиси.

¹⁵³⁵ Мири асад – миршаблар (полиция) бошлиғи.

¹⁵³⁶ Садр – вақф мулкларининг нозири. Саййид ва хожаларга бериладиган унвон ва амал.

¹⁵³⁷ Мирзо – девонхона котиби. Ўқимишли кишиларга нисбатан ишлатадиган сифат.

¹⁵³⁸ Иноқи калон – саройдаги иноқларнинг улуғи. Хон қабулига масъул амалдор. Яна қаранг: иноқ.

¹⁵³⁹ Қўшбегии жилав – жилов (сафар ва юришлардаги) қўшбеги, ҳарбий қўшнинг бошлиғи, қўмондони.

¹⁵⁴⁰ Тўпчибоши – артилерия бошлиғи. Қалъалар ва истехкомлар ҳолатини ҳам у назорат қилган

бир-бир санай десак, гап анча чўзилади. Бинобарин, шу юқоридаги амалдорлар билан кифояландик.

Байт:

Ҳам шаръ зи мулк аржуманди дорад,
Ҳам мулк зи шаръ сарбаланди дорад.
[Шариат давлатдан топар эъзозлик,
Давлат шариат билан эрур сарбаланд].

Амир Умархоннинг Самарқанд тарафга қўшин тортгани ва ул муддаонинг амалга ошмай, Урметан мавзесида Шахрисабз ҳокими Ниёзали девонбеги билан учрашиб қайтгани

Шу зайл бир неча вақт ўтгач, амир Умархон кўнглига тагин мамлакат олмоқлик ҳаваси тушиб, катта лашкар билан Самарқанд сари юзланди. Уч кўч манзилни босиб ўтгач, Хўжанд вилоятига кириб борди ва у ердан Ўратепа вилоятига бориб қўш ташлади. Саййидлик паноҳи Маҳмудхон меҳмонни сийлаш тариқини ҳаддан зиёда кўп қилиб адо этди. Бу ерда эса Самарқандга юриш баҳридан кечиб, Урмийтан вилояти томон юзланди. Бир неча манзилни босиб ўтгач, Қизилсой мавзесига кириб борди. Шунда Шахрисабз ҳокими Ниёзали валинеъмат ва амирзодалар ҳамда кенагас амирларининг барчаси, Ургут қалъасидан эса Каттабий *парвоначи* амир Умархоннинг ташрифини эшитиб, совғалар ва шоҳона тортиқлар билан ул карамли султон узангисини ўпиш сари юзландилар. Бир неча масофа йўлни босиб ўтгач, мазкур мавзеда амир Умархон даргоҳи остонасини ўпиш учун етишиб, кўруниш расмини бажо келтирдилар. Амир Умархон ул икки амирлик паноҳи ҳақида подшоҳона шафқат ва хусравона марҳаматлар кўргузди. Уч кундан кейин Ниёзали валинеъматни *Оталиқ* амали билан сийлади, Каттабекни *девонбегилик* амалига муносиб топди. Бошқа амирзодаларга ҳам ўз ҳолларига яраша амаллар берди. Ниёзали *Оталиқ* ҳақида карам эшикларини шундай очдики, ул асрда ҳеч бир подшоҳдан бу миқдор инъом амалга ошмаган ва ҳеч бир хусрав бу каби қўли очиклик билан дунё матоҳларидан бунча турдаги бойликни биров бошидан сочмаган эди. Уч кундан сўнг ул икки амирлик паноҳига рухсат берди ва ўзи Ўратепа сари юзланди. Ул икки амирлик паноҳи эса амирдан кетишга рухсат олгач, хушҳоллик ила тез суръатларда ўз қароргоҳларига қайтиб кетдилар. Аммо, фалак уларнинг ана шундай хурсандлик билан ватанларига қайтишини истамаган экан. Тақдир яна ўз ўйинларидан бирини кўрсатди.

Гапнинг қисқаси шуким, ул икки амирлик паноҳи йўл юриб бормоқда эдилар. Уларнинг амир Умархон ҳузурига борганидан хабар топган Самарқанд ҳокими қайтиш пайтлари йўлига пистирма қўйган экан. Иттифоқан, ҳар икки лашкар бир-бирига тоғлик ўртасида дуч келишди. Озгина тўқнашув рўй бериши билан бу кенагас амирлари ва жангчиларини ўз-ўзидан ваҳима босиб, қочишга тушдилар ва амир Умархон берган барча молу қиммат баҳо нарсаларни ташлаб кетдилар. Қочоқ амирлар ўзларини тор ва сўқмоқ йўлларга уриб, қанча меҳнату азобда уч кеча-кундуз деганда бир неча надимлари билан Шахрисабзга етиб олдилар.

Амир Умархон Ўратепага бориб киргач, саййидлик паноҳи Маҳмудхон хизмат расмини бажо келтирди. Амир уч кеча-кундуз айшу ишрат билан машғул бўлди. Сўнг ул қўрғондан қўзғалиб, Хўжандга бориб тушди. Мамлакатнинг ул келинчак шаҳрига ўзининг қутлуғ қадами билан зеб берди ва халқнинг арзу додини сўради. Уч кундан сўнг у ердан кўчиб, уч манзил юргач мамлақати пойтахтига кириб келди ва йўл ҳордиқларини чиқарди. Ўша кезларда Шоҳмуродбий ўғли Мир Ҳусайнхон акаси амир Ҳайдар подшоҳнинг жабру зулмидан қийналиб, Самарқанд вилоятини ташлаб Шахрисабзга келиб яшаётган эди. Бошига амир Умархонга хизмат қилиш хаёли тушиб, Ўратепа сари юзланди ва саййидлик паноҳи Маҳмудхон бу хабарни эшитиб, унга пешвоз чиқди. Яхши кутиб олиб, муносиб бир уйга туширди. Уч кеча-кундуз меҳмондорчилик қилди. Тўртинчи куни саййидлик паноҳи Султонхон меҳмонга ҳамроҳ бўлиб, Хўқанд томонга юзландилар. **Байт:**

Зи жабри бародар бадар омада,
Ба даргоҳи султон Умар омада.
[Акаси жабридан қочиб келди,
Султон Умархон даргоҳига ул].

Бу хабарни эшитган амир Умархон Хўқанд амирларига Мир Ҳусайнхонни яхши бир тарзда кутиб олиш ва муносиб бир ҳовлига жойлаштиришни буюрди. Амирнинг айтганлари ҳаддан зиёд равишда бажо келтирилди. Эртаси куни амир Умархон меҳмонни ҳузурига чорлаб, меҳрибончиликлар қилди ва қадамини азиз тутиб, ҳурмат кўрсатди. Бир неча вақт ҳузурида сақлади

ва анч вақт ўтгач, Самарқанд ва Хитой-қипчоқ юртларини олиши умидида Шаҳрухия¹⁵⁴¹ни унга берди. Ҳусайнхон бир йилча ул қалъада катта умидлар билан яшади. Аммо, қараса, муддао ғунчаси осонликча очиладиган эмас. Ноилож яна амир ҳузурига Хўқандга келди. Бироқ энди амир Умархон билан Ҳусайнхон ўртасидаги улфатчилик унча қизимади. Жаноби қиблагоҳ отам Ҳусайнхон кўнглини кўтариб, ҳолидан хабар олиб юрди. Бироз муддат ўтгач Қоратегин¹⁵⁴² йўли билан қочиб, яна Шаҳрисабзга қайтиб борди.

Амир Умархоннинг саййидлик паноҳи Маҳмудхонни Ўратепада ушлатгани зикри

Шу гаплардан бироз муддат ўтгач, фитна кўзғовчи, бузғунчи ва узоқни кўра олмайдиган кишилардан бир нечтаси ўз табиатига мувофиқ иш тутиб, ушбунинг амалга ошишига сабабчи бўлдилар. Аниқроғи, бу шум ниятлар амир Умархонга «саййидлик паноҳи Маҳмудхон зимдан иш юргизиб, яна амир Ҳайдар билан чиқишиб кетди, бир гап чикмасдан бурун бунинг бир иложини қилиш зарур, иш қўлдан чиқса оқибати пушаймонлик бўлажак» деган иғвони уқтиришди. **Байт:**

Иложи воқеа қабл аз вуқуъ бояд кард,
Дарег суд надорад чу рафт кор аз даст.
[Воқеа юзага чикмасдан иложини қилмоқ керак,
Иш қўлдан кетса афсусин қай йўсин этмоқ керак].

Ул иблис тийнатлар биргалашиб, бир неча бор амир Умархонга ана шу иғвони маъқуллаб туришди. Ниҳоят, амир уларнинг чақимчилик билан иғво гапларини қабул қулоғи билан тинглаб, саййидлик паноҳини ушлаш учун бел боғлади. **Қитъа:**

Бо бадон кам нишин ки суҳбати бад,
Гарчи поки, туро палид кунад.
Офтобе бадин бузургиро,
Зарраи абр нопадид кунад.
[Ёмонлар билан кам ўтир, ёмон суҳбат
Пок эрсанг-да, сени палид этар.
Офтобнинг шундай катталигига боқмай,
Булутнинг бир кичик зарраси юзин тўсар].

Шунинг учун ҳам донолар подшоҳларни баланд тоққа нисбат берганлар. Гарчи тоғ ичида қиммат баҳо зумрад ва лаъл кони бўлса-да, унда йўлбарс ва илон, чаён ва бошқа шу каби йиртқичлар ва зараркунанда ҳашоратлар ҳам бор. Илон ва йўлбарсдан мақсад чақимчилар ва хўшомадгўй ва ичи қора бахил кишилардир. Қолаверса, баланд тоққа чикмоқ ва у ерда манзил тутмоқ қийин иш. Яна айтмишларким, султонларга хизмат этмоқ денгизда юрмоқ кабидир – денгиз орқали сафарга чикқан савдогар ё олтин-зарни қўлга киритади ёки тўфонда денгизга чўкиб, ҳалок бўлади. **Байт:**

Ба дарё дурри манофеъ бешумор аст,
Агар хоҳи саломат дурр канор аст.
[Денгизда манфаатли дурлар сон-саноксиз,
Саломатлик истар эсанг у соҳилда ҳозир].

Олам аҳли аҳду-паймон иплари мизожи ўзгарувчанлиги ва фикрлари қарама-қаршилиги сабабли юз жойидан узилган ва сифат ойнасига сотқинлик ва алдам-қалдамлик чанги ўтирган бевафо ножинслар ва лаънати нобакорлардан ўзини четга олади, чунки ул оқибатсиз жамоадан фисқу фасоддан ўзга нарса чикмайди, кўрнамак бўлганлари учун хизмат этиш қонуни ва нон-туз ҳаққини билмайдилар. Шунинг учун нажиблик ва донолик чодирининг номаҳрамлари, тўғрилиқ ва парҳезкорлик оламининг паст зотлилари билан мусоҳибат ва *маҳрамлик* дамини урмоқ – билиб туриб ўзни гуриллаб ёнаётган ўтга ташлаш ва ё илон билан мусоҳибат бошлаш каби бўлиб, бу тубанликни касб этган нотаваон назарли тоифанинг эгрилик маслағи шўразорида фитнага қоришган ва сотқинликдан ўзга нарса ўсмайди ва уларнинг ёмонлик тариқати гумроҳлик ва одамларини алдаш саҳроси йўлидан бошқаси билан уланмайди. **Маснавий:**

¹⁵⁴¹ Шаҳрухия қалъаси – Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги шаҳар. Эски Чиноз ўрнида амир Темурнинг ўғли Шохрух (ваф. 1447) шарафига бино этган шаҳар.

¹⁵⁴² Қоратегин (йўли) – Фарғона водийсидан бир қанча йўл билан Қаратегин ва у ердан Дарвоз, Кўлоб, Бадахшонга ўтиш мумкин эди. Бу ерда Исфарадан Воруҳ ва Чорқуғ тоғи орқали Масчоҳга борадиган йўл назарда тутилаётгани тахмин қилинади. Қоратегин эса тоғли ҳудуд. Вахш дарёсининг шаҳобчалари бўлмиш Сурхоб ва Қизил су водийларининг ўрта қисмида жойлашган. Аҳолиси тожиклар, қирғизлар ва қисман ўзбеклардан иборат. Ҳозир Тожикистонда алоҳида туман маркази.

Зи ҳамсухбатони дағал ихтилот,
Зарури аст бар хосу ом эҳтиёт.
Надонанд ҳаққи намак хораги,
Зи инсоф дуранд як бораги.
Зи талбис гарм аст бозорашон,
Бувад ёр бози деҳи корашон.
[Доғули сухбатдош билан ўтиришдан,
Хосу авом эҳтиёт бўлмоғи зарур.
Еган тузи ҳаққин билмаслар,
Инсофдан узоқ эрурлар.
Шайтон васвасаси ила қизиган бозорлари,
Дўстни лақиллатишдир ишлари].

Алқисса, амир Умархон 1232 йили жаддий ойида/1817 йил 19 январда зафар аломатли лашкарни йиғиб, йўналиш байроғини Ўратепа сари ҳилпиратди. Уч кўч манзилдан сўнг Хўжанд вилоятига кириб келди. Эртасига у ердан кўчиб, Ўратепадан бир фарсахлик манзилдаги Нажоний манзилига қўш ташлади. Бу гапларнинг ҳеч биридан хабари йўқ саййидлик паноҳи Маҳмудхон амир Умархоннинг Ўратепа томон келаётганидан воқиф бўлгач, тўрт фарсахлик ерда амирнинг истиқболига чиққан эди ва ўша мавзеда рухсат олиб, Ўратепага қайтди ва эртаси куни бечора саййидлик паноҳи ўзининг барча қўшинини йиғиб, биродарлари ва амирларини шаҳарда ёлғиз қолдириб, амир Умархон ҳузурига етишди ва кўруниш расмини бажо келтирди. Амир қараса, худди кўнглидагидек бўлиб, мақсадининг ови ўз оёғи билан осон бир тарзда тузоққа илиниб турибди. **Байт:**

Аз ҳар ки дилат гарон оварад,
Ўро сабук аз миёна бардор.
[Кимдан кўнглинг қолган эса,
Уни осонликча орадан олиб ташла].

Хулласи калом, амир Умархон лашкар аҳлига отларни дам олдириб, емларини беринглар, дея буйруқ берди ва пешиндан сўнг отланиб, тез юрганча шабгир уриб, Шероз дашти¹⁵⁴³ни босқин-чопқин қиламиз, деди. Бу топшириқни олгач, ҳар ким ўз иши билан бўлди. Ўша маҳалда амир Умархон Ражаб *қўшбегининг* ўғли Бобораҳим *иноққа* «буйруқ берганим заҳоти давлатнинг хос туғини силкитасан» дея ўргатди. Амирларига эса «менинг хос туғим ҳавода силкинган заҳоти қаерда Юз лашкарини кўрсангиз, шу жойда ушланглар» дея буйруқ берди. Амир бу каби тадбирларни амалга оширгач, жаноб Султонхон ва саййидлик паноҳи Маҳмудхон ва Тўраҳон олдиға киши юбориб, иш борлиги ва уларнинг ўз саркардалари билан бирға келиши лозимлигини айттирди. *Маҳрам* ул саййидлик паноҳлари хизматиға етишгач, **мисраъ:** Аз дўст як ишорат, аз мо ба сар давидан (Дўстдан бир имо, биздан бош билан югуриб бормок), қабалида иш тутиб, ўзларининг ўн икки саркардаси билан бирға амир Умархон ўрдуси сари юзландилар. Улар амир Умархоннинг чодирига яқинлашгач, амир саййидлик паноҳларининг жаноби қиблагоҳим билан ўтириб, отланиш маслаҳатини бирға келишиб олишлари, сўнг амирга билдиришлари ҳақида буйруқ берди. Саййидлик паноҳинининг амирларини эса *додхоҳнинг* шоҳона чодирига юборди. Саййидлар амир чодирини олдиға келиб ўтириб, жаноб қиблагоҳим билан маслаҳатни бошлаб, давлат ишлари машваратиға киришган маҳалда амир Умархон чодирининг ёриғидан уларни кузатиб тураркан, учта надимини чақирди ва Баҳодирхожа *дастурхончи*, Абдулкарим чопуқчи, Саййид *буқчабардор*¹⁵⁴⁴ каби бу надимларига саййидларнинг олдиға ҳалво олиб бориб қўйиш ва шу баҳона билан уларни ушлашни буюрди. Надимлар амир Умархон ҳузуридан топшириқ олиб, худди амир ўргатган тартибда саййидлик паноҳлари олдиға бориб, дастурхон ёздилар ва ҳалво тортдилар. Улар ҳалвоға қўл чўзган вақтда жаноб Султонхоннинг билагидан Баҳодирхожа *дастурхончи* маҳкам ушлади, жаноб Маҳмудхоннинг билагидан Абдулкарим *чопуқчи*¹⁵⁴⁵ тутди, Тўраҳоннинг қўлидан маҳкам қилиб Саййид *буқчабардор* олди ва ҳар учала саййидлик паноҳларини «нима қилайлик, хизматчилик, узр» дея, занжирбанд қилдилар. Саййидлар кажрафтор фалакнинг ишидан чуқур ўйға ботиб, ушбуни дил ва тилларидан ўтказардилар, **мисраъ:** Туро ҳаргиз надонистам бадин номехрибониҳо (Сени ҳеч ҳам бунчалик тош бағирсан деб ўйламаган эдим);

Алқисса, Бобораҳим *иноқнинг* хос туғни осмонда силкитгани бир бўлди-ю, Фарғона лашкарининг юз қўшини устиға ташлангани бир бўлди. Шундай, талон-торожға киришдиларки, юз

¹⁵⁴³ Шероз дашти – Ўратепа ва Хўжанд орасидаги дашт номи.

¹⁵⁴⁴ Буқчабардор/буқчадор/бухчадор – саройдаги барча хадия ва тўхфалар, сарполарға мутасаддий амалдор.

¹⁵⁴⁵ Чопуқчи/пичоқчи – хон саройидаги қурол-аслаҳа устаси, кўрчи.

қавмининг ёлонғоч авратларини бекитишга бир латтаси қолмади. Саййидлик паноҳининг амирларини ҳам ушладилар, биродарим Жаҳонгирхожа ва укаси Хожа Хурднинг устивошларини икки ўзбек шипшийдон қилганди. Шу орада жаноб қиблагоҳим бундан хабар топиб, уларни бераҳм золимлар қўлидан қутқариб, муносиб хилъатлар кийдирди ва ўз олдида сақлади. Шунингдек, жаноб қиблагоҳим саййидлик паноҳи саркардаларидан энг кичиги бўлмиш Ҳаққулнинг гуноҳини амир Умархондан сўраб олди. Амир отамнинг юз хотирлари учун яхшилик қилиб, уни ҳибсдан озод қилди. Амир Умархон айна чоғда Қосим *девонбеги*, Муҳаммадқули *додхоҳ*, Лашкар *қўшбегига* Ўратепа қалъасини эгаллашни буюрди. Улар фармон ижроси учун рухсат олгач, жуда илдам юриб бориб, шаҳарга кирдилар ва Муғ арки¹⁵⁴⁶га чиқиб, саййидлик паноҳининг молу амволини бир қолдирмай мусодара қилдилар. Ўша вақтда жаноб қиблагоҳим қарасалар, саййидлик паноҳининг ҳарами ҳам оёқ остида қоладиган. Амир Умархондан рухсат тилаб, қариндошлик ва жигарбандлик ҳаққини бажо айлаганча ниҳоятда тезлик билан келиб, саййидлик паноҳларининг ўрдусини ўзбеклар қўлидан қутқариб қолди ва ҳеч кимга уларнинг бирон нарсасини ўғирлашга йўл бермади. Амир Умархон саййидлик паноҳларини Хўқандга саркардалари билан бирга юборгач, ўзи Ўратепа шаҳрига кирди ва у ернинг давлат ишларига интизоми тамом бермакка киришди. **Қитъа:**

Дасти вафо бар камари аҳд кун,
То нашави аҳдшикан жаҳд кун.
Дур нигар к-зи номардуми,
Бар ҳазар аст одаме аз одами.
[Вафо қилмоққа аҳд камарин боғла,
Аҳд бузар бўлмасликка жаҳд қил.
Халқ севмасликдан тут ўзинг узоқ,
Одам одамлардан эҳтиёт бўлсин].

Эртаси куни амир Умархон Исҳоқ *девонбегининг* саййидлар кўч-кўлонини Хўқандга олиб бориши тўғрисида буйруқ берди. Исҳоқ *девонбеги* амир ҳузуридан буйруқни бажариш учун рухсат олиб чиққач, ҳавонинг шундай қаттиқ совуғида неча меҳнату-машаққат билан Хўқандга юзландилар. Амир Умархон шу зайл хожаларни ва Ўратепа амирларини ҳамда улуснинг бошқа улуғлари, жумладан, саййид Ғози хожа, Тўраҳон кабиларни бутунлай кўчириб, неча хору зорлик ила Хўқанд томонга юборганди. У ердан ҳам ғазаб устида Шаҳрихонга бадарға қилиб, оқ уйлик қилди. Ул бечораларни шу даража талашган эдики, бир арпа донаси кўзларига фалак доираси бўлиб кўринар ва битта эски кўйлак беҳишт ҳулласидек туйиларди.

Амир Умархон Ўратепа ишидан қутулгач, ул вилоят бошқарувини Қосим *девонбегига* берди ва ўзи Хўжанд томонга қайтди. Ул шаҳарга киргач, Хўқанд томондан ҳарам аҳлининг бариси истиқбол учун йўлга тушиб, муборакбод қилгани келдилар. Фақир ҳам улар билан бирга келиб, дуо хайр маросимида қатнашдим. Амир Умархон бир неча кун айшу ишрат билан машғул бўлгач, Хўқанд сари юзланди. Уч манзил босиб, ўз давлатининг қароргоҳига тушди ва йўл чарчоқларини ёзди. Бир неча кундан сўнг саййидлик паноҳларини ҳибсдан озод қилди ва улар ҳаққида подшоҳона меҳрибонликлар кўрсатди. Ҳар бирига муносиб ҳовлилар ва ҳосилдор ерли қишлоқлар инъом этди. Ҳол-аҳволларидан хабар олиб турди. **Байт:**

Чубро об фурў намебарад ҳикмат чист?
Шармаш ояд зи фурў бурдани парвардаи хеш.
[Чўпни сув ютмайди, ҳикмат недур?
Ўз ўстирганин уялар чўктирмакка].

Муҳаммадраҳимхон девонбегининг Пешоғар қалъасидан Ём қалъаси томонга келгани ва у ердан чиқиб, Ўратепани олгани зикри

Амир Умархон қулоғига Худоёрбий валинеъматнинг ўғли Муҳаммадраҳим *девонбегининг* Пешоғар қалъасидан отланиб, Ём қалаъасига келиб киргани ва у ердан туриб Ўратепани босқинчопқин қилгани ва у ерда илғорда турган саркардаларнинг дарҳол отланиб, жангга киришгани хабари чалинди. Бу уруш жуда қаттиқ бўлиб, ўликлардан тепаликлар ҳосил бўлди. Довюрақлар номус билан жанг чангини етти қат осмонга чиқардилар. Аммо, зафар насими Муҳаммадраҳим *девонбеги* байроғи сари эсди ва хўқандлик лашкарлар қочишга тутиндилар. Ғаним лашкари юз уруғининг Хушвақт *қўшбеги*, Ирискул *девонбеги*, Зийнатшоҳ ва шунга ўхшаш кўплаб аскарини асир олди.

¹⁵⁴⁶ Муғ арки – Ўратепа ҳокимлари яшайдиган қалъа номи.

Муҳаммадраҳим *девонбеги* фатҳу нусрат билан Ём қалъаси томон қайтиб кетди. Амир Умархон бу хабарни эшитгач, фикр денгизига ғарқ бўлди. Шундан сўнг Қосим *девонбегини* Ўратепа ҳокимлигидан бўшатиб, ул вилоят амирлигини Ражаб *қўшбегига* топширди. Бу хабарни эшитган Муҳаммадраҳим *девонбеги* Ём қалъасидан илғор қилиб, тун ярмидан ўтганда Ўратепа шахрини билинтирмай қўлга киритди ва Муғ аркини қамал қилди. Ражаб *қўшбеги* ўқ ва тўфанг отишга тушди. Ҳар кун ҳар икки тарафдан уруш бозори қизиқ турди ва довьораклар қонидан кўчаларда ариқ ҳосил бўлди. Бир неча вақт шу зайл ўтди.

Амир Умархоннинг Ўратепа устига лашкар тортгани ва Хўжанд вилоятидан умидсиз қайтгани зикри

Бу хабарни амир Умархон эшитгач, тўшақда касал ётганига қарамай шижоат юзасидан оёққа турганча катта лашкар билан ўша тарафга қараб юрди. **Қитъа:**

Зиндагии заъфи як-ду рўзаи ту,
Оташи фитна дар жаҳон афтод.
То абад пеши зоти поки туро,
Аз жаҳон ҳеч офате марасод.
[Бир-икки кунлик хаста ҳаётинг,
Жаҳонга фитна оташин солди.
Пок зотинг сари энди ҳеч қачон,
Фалакдан ҳеч бир офат энмасин].

Бир неча масофани босиб ўтгач, Хўжанд шахрига бориб кирди. Қараса, бирон иш чиқариб бўладиган эмас. Ноилож, амир Умархон ўзининг бир кўкрак эмишган кўкалтоши ва Ражаб *қўшбегининг* ўғай ўғли бўлмиш Мирзо Раҳим *парвоначига* бошқа саркардалар билан бирга бориб, отасини ул ҳалокат гирдобидан қутқариб қайтишни буюрди. Мирзо Раҳим *парвоначи* амир ҳузуридан топшириқни бажариш учун руҳсат олиб чиққач, амирлар билан бирга Ўратепа сари юзланди. Қизили мавзеси¹⁵⁴⁷ га етишганда ёнидаги амирлардан ҳеч бири юраги бетлаб, олдинга юра олмадилар. Мирзо Раҳим *парвоначи* уч юз нафар қўрқмас киши билан ўша ярим тунда яратгувчимиз бўлмиш улуғ зотга таваккал қилиб, Ўратепа томон юзланди. Улар шаҳарга яқинлашгач, Муҳаммадраҳим *девонбегининг* аскарлари *парвоначининг* келганидан воқиф бўлиб, душман устига ташланишди. Шундай бир қаттиқ жанг бўлдики, қадим замондагилар урушининг ҳикоялари унут бўлиб кетди. Мирзо Раҳим *парвоначи* мардлик намунасини кўрсатиб, шаҳар ичидан Муҳаммадраҳим *девонбегининг* қўшинини ҳайдаб чиқараркан, айрим жангчиларини уруш майдонида ҳалокатга дучор қилиб, ўзини соғ-саломат отаси олдига етказди ва эртаси тунда Ражаб *қўшбегини* соғ-омон ул даҳшатли ҳалокат қаъридан қутқариб, Ўратепа қалъасини холи қолдирганча *қўшбегини* амир Умархон ҳузурига етказди ва кўрунуш учун амир қошида ҳозир қилиб, амир назарига тушди. Амир воқеани эшитиб, иш қўлдан чиққанини англади ва ноилож қайтиш жиловини Хўқанд сари бурди. Уч манзил йўл босиб, ўз қароргоҳига тушди. Ўша пайтда касали ҳам тузалиб қолганди. **Байт:**

Боз эътидол ёфт мизожи шаҳаншоҳи,
Рўзи нишот омад ва бигузашт шоми ғам.
[Шаҳаншоҳлик табиати яна ўз ўрнига тушди,
Қувонч куни келди ва ғам оқшоми кечди].
Шундан сўнг амир яна давлат ишларига киришиб кетди.

Амир Умархоннинг Ўратепа томон лашкар тортгани зикри

Ўша йилиси амир нусрат аломатли лашкарни йиғиб, Хўжанд сари юрди. Тўрт манзилдан сўнг ул вилоятга бориб кирди. Уч кун у ерда сокин туриб, Фарғонанинг тамоми лашкарини тўплади ва Ўратепа тарафга юзланди. Ўша куниси Оқсув манзилига бориб тушди. Эртасига у ердан қўзғалиб, Яхтонсарой қишлоғи¹⁵⁴⁸ га кириб борди. Ўша оқшомиси шафқат билмас аскарлар жанг ишига тайёргарлик кўришди. Куёшнинг Жамшиди зангори осмон фазоси узра оқ байроғини ёйган тонг маҳали ва юлдузлар мавкаби устига зарҳал ёпинғич кийдириб, зулмат лашкарини қувлашга киришган чоғи Искандар мартбали амир куёш нурли кўнглини шавкат дастгоҳли қўшинни жангга тайёрлаш учун қаратди. Ўша куниси амир Умархон ўзининг ниҳоятда хушсурат ва хушхиром этгувчи,

¹⁵⁴⁷ Қизили мавзеси – Ўратепага яқин қишлоқ номи.

¹⁵⁴⁸ Яхтонсарой қишлоғи – Ўратепага яқин қишлоқ номи.

югурганда шамолни орқада қолдирувчи Зафарқўк номли хос отини миниб чикди¹⁵⁴⁹. Бу от Дулдул¹⁵⁵⁰, Рахш¹⁵⁵¹ ва Хусрави Парвизнинг Шабдиз¹⁵⁵² ини фақат эгар-жабдуқ юклаб юришга ярайдиган от ўрнида биларди. Шунинг учун ҳам бу хос от ўлганда мавлоно Бехжат¹⁵⁵³ исмли шоир яхши бир туркий таърих айтган. **Таърих:**

Сўрдум таъриhini, деди «Зафар кўк ўлди,
То *мирохур* бошини кесмаса аслан бўлмас».

Алқисса, ўткир чангалли Баҳром само авжида қон оқизувчи пайкон кўрқинчидан бошига заррин офтоб қалқонни тортди ва наҳанг тўхтовсиз денгиз тубида уларнинг жон олувчи найзаси хавфидан жавшан кийди. **Маснавий:**

Хидеви жаҳонгир, лашкаршикан,
Сипоҳе биёрост пўлодтан.
Ҳама тундхўй ва ҳама тезчанг,
Ба сахро чу шеру ба дарё наҳанг.
Гирифта ба каф ханжари хунфишон,
Рубуда ба найза сари саркашон.
[Жаҳон олувчи ва қўшин янчувчи шоҳ,
Тузди пўлат танлилардан бир сипоҳ.
Барчаси жаҳлдор, бари ўткир панжа,
Майдонда гўё шер ва денгизда наҳанг.
Қўлларида қон оқизувчи ханжар,
Саркашлар бошин найза билан олган].

Амир Умархон мазкур отини уруш куниси эгар-жабдуқ ва ёпинғичи билан қиблагоҳимга инъом қилди. Лашкар *қўшбеги*, Муҳаммадшарифбий, Шайх Бадал мирзо, Муҳаммадсобир *дастурхончи*, Абдулкарим *додхоҳ*, Мирзо Раҳим *парвоначи*, Хонхожа *садр* кабиларнинг ҳайбатли ва урушқоқ баҳодирлардан иборат яна бир қавмига ҳировул¹⁵⁵⁴ да таваккал байроғини ҳилпиратиш топширилди. Эрназарбий *девонбеги*, Тўраҳон *мир асад*, Муҳаммадқули *парвоначи*, Мақсудхожа *тўпчибоши* ва қахрамонлардан ташкил топган бошқа бир гуруҳ бурунғорда душманга қарши урушадиган бўлишди. Шоҳи *парвоначи*, Азимбой *парвоначи*, Қамбарбий, Маҳмудхожа *жилов қўшбеги* сингарилар яна бир тўп жангчилар билан жувонғордан уруш майдонига юзланишга қарор қилинди. Жаноб Тўрахожаи *хожа калон* ва Султонхон тўраи *хожа калон* жаноблари ва Маҳмудхон ва жаноби қиблагоҳим, Қосимбий *оталиқ*, Саййидқул *девонбеги*, Мирза Малла *додхоҳ*, Ражаб *қўшбеги*, Юсуф *парвоначи* бир тўп нўён¹⁵⁵⁵ лар билан подшоҳликнинг юксак пояли байроғи соясида қалб қисмда туриб, олий ҳимматини душманни нобуд этиш ва фано гирдобига улоқтириш учун қаратдилар. У тарафдан эса Муҳаммадраҳим *девонбеги* ўзининг саф тортган қўл қисми билан қалбда турди. Укаларини ҳировул ясади. Икки олдиға мерган пиёдалрини ташлади. Шу йўсин билан шаҳар дарвозасидан чорак фарсах чиқиб, ўз лашкарини кўрганлар ҳайрат бармоғини тишлаб қоладиган ва таҳсинлар айтадиган даражада саф тиздирди. **Байт:**

Чунин аст услуби одоби жанг,
Яке тож бояд, яке гўри танг.
[Уруш услуби ва тартиби шу эрур:
Бирови тож кияр, яна бирига тор гўр].

Алқисса, ул урушқоқ ва қасоскор икки қўшин шу тартиб ва йўсин ила бир-бири рўпарсига келиб, ғазаб олови ва жанг ўтини аланга олдирди. Довюррак баҳодирлар жон ипларини қирқувчи найзалар учи билан қон тўкувчи шўълани паҳлавон ёшлар кўзи сари сочдилар ва Рустам қудратли жасурлар кескир шамшир зарби билан йигитлар жонини илма-тешиқ қилиб, умрлари кулини кўкка совурдилар. Лашкар *қўшбеги*, Мирзо Раҳим *парвоначи* ва Муҳаммадшарифбий жангда қўшиннинг олди бўлишди. Шу пайт Муҳаммадраҳим *девонбеги* жасурлик намунасини кўрсатганча зафарли

¹⁵⁴⁹ Шундан сўнг олти байтлик маснавий келган бўлиб, от васфидаги бу шеър воқеалар баёнига билан алоқадор бўлмагани учун таржимада ташлаб ўтилди.

¹⁵⁵⁰ Миср ҳукмдори Мақуқайснинг ислом пайғамбари элчиси Ибн Хатиб орқали расули акрам(с.а.в.)га совға сифатида юборган олий зотли от номи, сўнг бу от ҳазрати Алига тақдим этилган.

¹⁵⁵¹ “Шоҳнома” қахрамони Рустами дастон отининг номи.

¹⁵⁵² “Хусрав ва Ширин” асари қахрамони хусрав Парвизга севгилиси Ширин тақдим этган қора тусли от номи.

¹⁵⁵³ Бехжат қози аскар Мирзо Қаландар мушрифнинг ўғли бўлади.

¹⁵⁵⁴ Ҳировул/эровул, ировул – қўшиннинг олдинги дасталари; Юриш пайти душманга қарашли ерларга босқин-чопқин уюштирувчи даста ва гуруҳлар шунга ўхшаш “юртовул” атамаси билан номланган.

¹⁵⁵⁵ Нўён – бу ерда амир маъносида.

қўшиннинг ясори олдиға ҳамла қилди. Буни кўрган Рустам хислатли амир Умархон қутли мавкаб баҳодирларига душман ҳамласини қайтиришға буйруқ берди ва ул адоват пеша курашчилар сурон кўтариб, юракларни маржондек бир ипга тизувчи пайконларни қаҳр захари билан суғориб, тўрт парли ўқ таёғи-учини каёний камон ипи устиға қўйдилар. Карнай ва сурнай, ноқора осмондан боқиб турганлар қулоғига етди ва отлар туёғи остидан чиққан чангу тўзон оламни кезувчи офтоб юзига сурмадан ниқоб кийдирди. Уруш олови жонлар хирманиға фано оташини пуркади ва ҳамланинг тез елар шамоли вужуд боғидаги бақо ниҳолини тағ-туғи билан кўпориб ташлади. **Маснавий:**

Далерон ба кин роят афрохтанд,
Ба қасди сари як дигар тохтанд.
Чунон рехт хун теғи хорошикоф
Ки шуд лолагун хоки дашти масоф.
[Довюрақлар кин билан туғ кўтаришди,
Бир-бири қасдида олға сари чопдилар.
Тошни кесар қиличлар шундай қон тўқди,
Уруш даштининг тупроғи лолага дўнди].

Шу аснода буронғордан амир Шоҳи *парвоначи*, Азим бой *парвоначи* ва бир нечта бошқа *сардор*лар бир ҳамла билан Муҳаммадраҳим *девонбегининг* жувонғорини ер билан яксон қилдилар. Эрназар *девонбеги* ва Тўраҳон *мир асад* ва бошқа бир нечта саркардалар чап томондан майдон сари от солиб, душмандан бир гуруҳининг ҳаёт пойдеворини қулатдилар. Душман устиға ўқ ёмғирини ёғдириб, камон уясидан қон ичар ўқ бургутларини учирма қилдилар. **Маснавий:**

Далерони душманкуш, тез жанг,
Суйи таркаши тир бурданд чанг.
Ба ҳар тир к-зи шаст андохтанд,
Якери зи зин сарнагун сохтанд.
[Ёвни ўлдиргувчи ва жангчи ботирлар,
Қўлларин ўқ садоғи сари чўздилар.
Бош бармоқла отган ҳар ўқ билан,
Ёвни эгардан ер тубан қулатдилар].

Ўша чоғда довюрақ амир Умархон шижоатга тўлалик қуввати ва ўта жасурлик қудрати орқасида *сардор*ларға душман устиға бостириб боришни буюрди ва ўзи ҳам ёлғиз ҳолда уруш майдони сари юзланди. Аммо, шу заҳоти жаноби қиблагоҳим ва Ражаб *қўшбеги* бунга қаршилиқ қилиб, амир отининг жilовини ушладилар ва уни жойида тўхтатиб қолдилар. *Сардор*лар эса бир ҳамладаёқ мардлик кўрсатиб, қиёмат аломатли қилични сармаганча душманнинг устунлари тўдаси орасиға зилзила солдилар ва барчасини Банот ун-наъш юлдузлари каби ҳар ёнга тарқатиб юбордилар. Буни қаранг, ўша чоғда бу жанговар *сардор*лардан бир нечтаси отлари жilовини орқаға тортмай, уруш ва жангга қизиқиб, қочаётган душман билан бирға шаҳарға кириб кетишди ва ғанимлар қўлиға тушишди. Ўша куниси ўлганлардан ташқари душманнинг кўплаб мард жангчилари асир олиндилар. **Маснавий:**

Ҳар чанд ки нахчир бувад тунду далер,
Филҳол гурезон шавад аз ҳамлаи шер.
Тиху зи масофи боз бигурезад зуд,
Оху ба бари ҳазбар кай монад далер.
[Тоғ эчкиси қанчалиқ довюрақ бўлмасин,
Шер ҳамласидан шу заҳоти қочар.
Каклик лочинга дуч келса тез қочар,
Оху арслон олдида қачон дош берибди].

Ва ўзини урушда Рустами дастондан ортиқ билувчи ва довюрақлик, жасурликда кўрғошин танли Исфандиёрни хизматкори ўрнида кўрувчи биродарим Муҳаммадраҳим *девонбеги* сал қаттиқ шамолда чирпарак бўлувчи заиф пашша ва куёш нури шўъласидан қочувчи юлдузлар мавкаби каби шижоат паноҳ подшоҳнинг қаҳри шамолидан қалтираб-тебранганча ғалаба дастгоҳли амирнинг найзалари шўъласидан кўзи қамашиб, юзини қочиш водийси сари қаратди. Илоҳий тақдир ва чексиз тақдир яратгувчисининг хушхабарчилари фатҳ ва ғалабанинг руҳға озук берувчи доврўғи, зафар ва хушвақтликнинг кўнгил очар ишоратини етказдилар ва ғолиб амир қочганларни қувлаб, улардан бир тўдасини нусрат нишон мавкаб баҳодирлари шамшири билан ер тишлатдилар. Бир бўлагини эса асир олдилар. Ва ғалаба туғли амир уч кеча-кундуз Ўратепа вилоятини узук қошидек ўртаға олиб, шундай тўпга тутдики, тўп ўқлари худди дўл ёққан каби ёғди. Муҳаммадраҳим *девонбеги* жуда қийин аҳволда қолди – қочишға қанча уринмасин, бирор йўл топа олмасди. Ноилож ўлимини бўйниға олиб,

ўқ ва тўфанг отишга тушди. Бу пайт Саратон фаслининг айни иссиқ кунлари бўлиб, ҳаво ҳарорати баландлигидан уч кундан сўнг амир Умархон танига бир касаллик ёпишди. Ноилож, ул ҳориқиб толган оҳуни ўз ҳолига ташлаб, қайтиш жоловини қудратли ва карамли пойтахти томон бурди. Бир қанча масофани босиб ўтгач, салтанат саройи Хўқандга келиб тушиб, хизматкорлик бурчагининг орзиқиб кутган мунтазирлари ва умидворлик сирларининг интизорлик тортган зоҳидлари кўзини осмон мартбали мавкаби чанги билан мунаввар қилди. Барча халойиқ пок ва буюк тангрига шукр ва ҳамду сано расмини бажо келтирдилар. Амир Умархон Хўқанд мамлакатининг барча аҳолси боши узра меҳрибонлик ва лутфу карамнинг қуюқ соясини солди.

Амир Умархоннинг Жиззах томонга қўшин тортгани зикри

Бир неча вақт шу зайл ўтгач, амир Умархоннинг кўнглига Жиззахни босқин-чопқин қилиш истаги келди. Махфий равишда Фарғона лашкарини йиғди. Фарғонага қарашли ерларнинг барча лашкари бир ерга тўплангач, амир Умархон бир хийла ўйлаб топиб, ов-шикор баҳонаси билан Марғинон томонга юрди. Муҳаммадраҳим *девонбегининг* амир хийласидан беҳабар тилчилари ўз кўнгилларини тинчитиб, шошилинич равишда тезлик билан Ўратепага бориб, амир Умархон Марғинон томонга кетди, энди улус эли хотиржам ўтираверсинлар, амир масаласида ваҳима қилмасинлар, дея хабар беришди. Муҳаммадраҳимхон *девонбеги* бу хабарни эшитгач, ниҳоят даражадаги хотиржамлик ва осойишталик билан ўтирди. Амир Умархон Хўқанддан қўзғалиб, Марғинон томон юрганча ул ҳудуднинг энг яхши қишлоғи ҳисобланмиш ва ўша пайтда фақирга тааллуқли бўлмиш Рашидон мавзеси¹⁵⁵⁶га бориб тушди. Аммо, у ердан қайтганча жуда тезлик билан бир кечада ўн олти фарсах йўлни босиб ўтиб, Сайхун дарёси қирғоғида жойлашган Жикдалик мавзесига кириб борди. Эртаси куни пешиндан сўнг у ердан қўзғалиб, тез суръатларда йўл юришга тушди ва тонг ота бошлаш маҳали Работ мавзесида эл ичига бостириб кирди. Ўша тунги жанг пайти кечаси йигирма фарсах масофани босиб ўтган эди.

Алқисса, Фарғона қўшинидагилар оч бўри қўй подасига ташланган каби ўзларини эл ичига урганча шундай босқин-чопқин қилдиларки, ҳали ҳеч бир подшоҳ даврида бунақаси рўй бермаган эди. Фарғона аскарлари элнинг барча молу бойликларини талаб, қўйин-қўнжларини тўлдиришди. Сал қувлаганлар эса элнинг подаларини ҳам қўлга киритиб, ҳар бири минг қўй ва юз отдан ортиғига эга бўлдилар. Бундайлар сони анча эди. Уч кеча мазкур ерда тўхтаб, асирларни арқонга тизиб ва таланган молларини ҳайдаганча, Жиззах томонга юрдилар. Жиззах қалъасига етишиб, паргорнинг доира чизиғи каби қуршаб олдилар ва бир кеча ва бир кундуз қамал уруши билан машғул бўлдилар. Аммо, амир қараса, истаги ғунчаси осонликча очиладиган эмас. Қайтиш жоловини Хўқанд томонга бурди ва бир неча масофани босиб ўтгач, фатҳу ғалаба билан Хўжанд вилоятига кириб келди. Бир неча кун йўл ҳордиғини ёзди. У ердан қўзғалиб, уч манзилдан сўнг салтанат уйи Хўқандга тушди ва айшу-ишратга машғул бўлди.

Амир Умархоннинг Марғилон ва Андижон томонга шикор учун боргани зикри

Илгаридан расм бўлиб келаётган одатга кўра Хўқанд подшоҳлари ҳар йил қуёш Сунбула ойига кирган пайти дашт паррандалари, бедана овлаш ва Жаддий буржида эса (декабр-январ) шер, оҳу шикор этиб, дашт қушларини тутиш учун Марғилон ва Андижон тарафларга боришган. Мазкур ойларда амир Умархоннинг ҳам бу каби одатни қанда қилмасдан, жаҳонни сақлаш усули ва Кайковус қоидасини қўллаб, кўп вақтини овчилик кўнгил хушлиги билан ўтказарди ва бу одатини сира қанда қилмасди.

Қисқаси, бу гал ҳам тоғ эчкисини шикор этмоқ учун шамолдан тез юрар оғир узангили самандини минди. **Байт:**

Мекунад по ба рикоб он маҳ ман мемирам,
Ки чунин танг чаро зин ба канораш гирад.
[Ул ой узангига оёқ қўйса ўлдирад мени рашкдан,
Чун эгарни бунчалик қаттиқ қисиб, бағрига босар].

¹⁵⁵⁶ Рашидон/Риштон мавзеси – Фарғона вилояти Риштон туманидаги шаҳар (1977 й.дан). Туманнинг маъмурий маркази. Вилоятнинг ғарбида, Сўх дарёсининг ўнг соҳилида, Қўқон-Фарғона автомобиль йўли ёқасида жойлашган. XVIII асрда мустақкам қалъа бўлган.

Осмон Бахроми¹⁵⁵⁷ ўқи зарбидан гур каби ерга тушиши ва бош бармоғини харамидек камонга яқин қилиб, гардун шери домига илиниши учун отланди. Бинобарин, даштда юрувчи ёввойи хайвонларни тутиш учун эскилар одати бўйича сахро томон йўналиб, ов ушлайдиган лочинларни ҳар томонга учирди, ўткир қанотли шоҳин, яъни лочинлар каклик ва дуррожни ҳавода ерга ушлаб туширди ва бургути қанотини оқ-қора чизиқлардан яхшилар кўзини қамаштириб, ишқ соз қора кўзлар киприklar сарпанжаси билан бедиллар дилларини кўлга киритгандек товусни ушлаш учун парвозга киришиб, чангалини очиб, чанг йўлбарсини қонга тўхтовсиз ботириб, оху ушлашда сайъининг жавҳарий зотий ҳунарини кўрсатиб, ўткир тирноқли енгил югурувчи қаттиқ ушловчи този ажалдек тўсатдан гур ва кийик орқасидан етиб йўқлик тупроғига беларди. **Маснавий:**

Чу дар нолидан омад таблаке боз,
Дар омад мурғи мардафкан ба парвоз.
Равон шуд бар ҳаво бози сабукпар,
Жаҳон шуд холи аз кабку кабутар.
[Лочин чақирувчи ноқора нолишга тушгач,
Одам қулатувчи лочин парвозга киришди.
Енгил учувчи бу қуш юзлангач осмонга,
Жаҳон каклик ва каптардан холи қолди].

Хулласи калом, 1234/1818-19 йили кўп дабдаба ва савлатда муҳтарам ҳарами билан бирга оти жиловини ул ўлка сари йўналтирди. Бир кўч масофадан сўнг Марғинон мамлакати ҳокимлигига қарашли Ёрмазор вилоятига бориб тушди. Уч кун ўша ерда тўхтади ва айшу ишрат ҳамда халқ арзу додини сўраш билан машғул бўлди. Тўртинчи куни Андижон ва Марғилондаги пиёда ва отлик халқнинг барчаси атрофимда йиғилсинлар, дея фармон берди. Фармонга биноан қирқ мингдан зиёд одам гурас-гурас бўлиб келишди. Ўша ов учун йиғилган лочинлар сони уч минг донага етарди. Амирнинг камтарин дуоғўйларидан саналмиш бу фақирнинг ўзида қирқ лочин бор эди. Амирнинг ўзининг хос лочинлари уч юздан зиёд эди. Тўққизта шунқор қуши бор эди. Қирқ баҳрин, йирик овловчи шоҳин, қирқта оху олувчи чарғ-шунқор, икки юз овчи ити, Қозоқ хонидан келган иккита хумозод ити ҳам бор эди. Барчасининг бўйинбоғи олтин ва кумушдан эди. Устидаги ёпинғичлари бахмалдан. Ёрмазор¹⁵⁵⁸ вилоятдан овга киришилгач, сарвқад йигитлар юз еридан қамишдек бел боғлаб, неча саҳарий нола билан ул хизмат учун етишдилар. Уч фарсахлик йўлни босиб ўтгач, Қубо тўқайзорига кирдик. Бу тўқай олдида Мозандарон ўрмонлари ҳам худди Бағдод чўлига ўхшаб дарахтсиз кўринар, қамишлари боши Сурайё юлдузига тегар ва бу ўрмонда шер, бўри, тўнғиз ва бошқа ёввойи хайвонлар бор эди. Амир Умархон ул тўқайзорга кириб, лочин солишга тушди. Тўқайзордаги дашт қуши кўплигидан учганда бутун осмон юзини қопларди. Амир шу даража ов қилдики, жамшидлик шикори унинг бошоқ терувчисидан бири бўлиб қолганди. Шикорнинг айна кизиган пайти қамишзор ичидан одамларнинг бақириқ-чақириқ товушлари эшитилиб қолди. Барча кишилар овларини ташлаб, дод-вой товуши чиққан жойга қараб югурдилар. Қарасалар, жуда катта бир шер турибди, иккита боласи ҳам бор. Бу шер бўқириғидан еру осмон ларзага келмоқда. **Байт:**

Ҳар беша гумон мабар ки холист,
Бошад ки паланг хуфта бошад.
[Барча ўрмонни ҳам холи деб ўйлама,
Балки унда йўлбарс ётгандир].

Одамлар шерни узук ҳалқаси каби ўраб олиб, ўқ ва тўфанг отиш билан овора эдилар. Ул кўрқинчли шер эса бир зумда уч кишини йўқлик сари жўнатди ва тўрт кишини ярадор қилди, олтита отни ер тишлатди. Шу пайтда бунинг хабари амир Умархонга ҳам етишди. Ул довюраллик майдони йўлбарси дарҳол овини ташлаб, «кичкина фаранг» номли хос тўфангини Баҳодирхожа *дастурхончининг* қўлидан олиб, шер томон кетди. Фақир ҳам шу пайтда амирнинг ёнида бўлиб, мен ҳам амир билан бирга шер турган жойга бордим. Шернинг ўзи кўринмаса-да, унинг қамишзор ичида чарх айланиб турганини билдик. Амир Умархон қамишзорга ўт қўйишларини буюрди. Қамишзорга ўт кетгач, бир зумда шер атрофини ҳам ўт ҳалқаси ўраб олди Шер безовталаниб, ноилож, бу йиртқичлар подшоҳи секин-аста дашт сари кета бошлади. Амир Умархон «ҳеч бир кимса бу шерга халақит бермасин, мабодо, кимки шерга бирон зиён-заҳмат етказса, хонумони талонда» деб фармон берганди. Шунинг учун ҳеч ким шерга халақит бермай, фақат томоша қилиб турардилар. Амир

¹⁵⁵⁷ Эрон шоҳларидан Баҳром (Варахран IV) гур (ёввойи эшак – гурхар) овлашга ишқибоз бўлгани учун бадий адабиётда “Бахроми гур” лақаби билан тилга олинади. У зўр ўқ-ёй отувчи ҳам бўлган ва шунинг учун овчилик, мерганлик рамзи ҳам саналади. Шунингдек, қўлида ўқ-ёй, қилич ушлаган ҳолда тасвирланган жанг худоси Миррих (Марс) сайёраси шарқ адабиётида Баҳром номи билан ҳам аталиб, бу ерда ана шу икки ҳолатга ишора орқали сўз ўйини қилинмоқда.

¹⁵⁵⁸ Ёр мазор – Марғилондан 10 км жанубида жойлашган қишлоқ.

Умархоннинг ўзи эса пистирма қўйганди. Йиртқич шер ўрмондан чиққани ҳамон амирнинг тўфангидан отилган ўқ оташига дуч келди. Ўқ унинг икки кўзи ўртасидан кириб, думи томонидан чиқиб кетганди. **Байт:**

Фалак гуфт «рахмат бар он даст бод»,
Малак гуфт «аҳсан», фалак гуфт «зех».
[Фалак «ул қўлга раҳмат бўлсин» деди,
Малак таҳсин ўқиди, фалак «яшасин» деди].

Отилган ўқ кўнгилдаги каби иш бериб, нишонга теккач, шер шундай бир наъра тортдики, атрофда турганларнинг бариси юрагига ваҳима тушди. Шер шу бўкириши билан ерга кулади. Олам подшоҳи ҳайвонлар подшосини шикор ўқи билан олгач, кўрганлар ҳайрат бармоғини тишлашиб, таҳсин ва офаринлар айтишди. Бизлар эса ул икки шер баччани овладик. Амир Умархон қайтиб, Қубо қишлоғида қўш ташлади. Ўша оқшомни айшу-ишрат билан ўтказди. Эртаси куни у ердан кўзғалиб, Шаҳрихон тўқайига бордик. Бу ҳам ниҳоятда чексиз бир тўқай бўлиб, ҳар хил парранда ва даррандага бой эди. Тўқай ичида экин экиладиган ер ҳам бор эди. Шу сабабли буғдой ўримидан қолган донларни ейиш учун шунчалик қуш учиб келган эдики, дала худди лолазор олами ёки даштга қизил мовут ёпилган каби кўринарди. Амир Умархон бу манзарани кўргач, ёнидаги қушчиларга овни манъ қилди, аммо, ўзи отдан тушиб, хос тўфангини кўтарганча шикоргоҳ сари юзланди. Умархоннинг бу ишидан амирлари ва овга қуш солувчилар хафа бўлдилар, бироқ, эътироз учун оғиз очишга ҳеч ким журъат қилмасди. Фақат рамз ва имо-ишора билан бир-бирларига ичидаги эътирозларини изҳор қилишарди. Ўша пайтда амир мени ва Муҳаммадалихонни ўз олдига чақириб, тўфангларингизни олинг ва бир томонда сиз иккингиз овга машғул бўлинг, бир томонда эса биз шикор қиламиз, деди. Биз ноилоҳ қабул бармоғини кўзимизга қўйиб, икков биргалашиб айтилган жойда ов учун юзландик. Қушлар орасига бориб етгач, бир-биримиз билан маслаҳатлашиб, бир бало қилиб паррандаларни бу ердан ҳайдаш ва амирларни куттириб қўймасликка қарор қилдик. Гарчи амир истагига қарши бўлса-да, шунга қарамай, тўфангларга кўп дору солиб, гупиллатганча тўфангларни отишга киришдик. Қушлар эса тўп-тўп бўлиб осмонга кўтарилганча ўзларини ўрмон томонга уришди. Бирпасда қуш деган зотдан битта қолмай учиб кетди. Бизнинг бу ўринсиз ҳаракатимиз амирнинг ранжишига сабаб бўлди. Жаҳли чиққанча ғазаб билан хушхиром отига минди ва лочин солиб овлашга мажбур бўлди. Амирлар эса бизнинг бу одобсизларча қилган ишимиздан роса хурсанд бўлишди. **Байт:**

Маркази паргори давлат дил ба даст овардан аст,
Метавон мулки ду оламо аз ин хотам гирифт.
[Давлатнинг айлана маркази дилларни овламоқдир,
Шу айлана узук билан икки олам мулкани олса бўлади].

Алқисса, ов бозори шу даража қизиб, овимиз бароридан келдики, ҳеч бир подшоҳ замонида бу каби шикор рўй бермаганди. Қайтишда ўқ зарбидан қулаб тушган қушларни йиғишди. Ўша куниси улар сони қирқ мингтага етган экан. Эртаси куни амир у ердан кўчиб, Андижон вилоятига ўз ташрифи саодати билан таровот бағишлади. Андижон ҳокими Исо *додхоҳ* меҳмондорчилик тариқини бекаму-кўст адо этиб, уч кеча-кундуз зиёфат берди. Турли-туман таомлар ва ичимликлар муҳайё қилди. Муносиб пешкашлар тортди ва ҳар хил мато, газламаларни амир назаридан ўтқариб, қабуллик даражасини топтирди. Ишқилиб, қайси вилоятга борсак, ул тегранинг саркардалари бир-бирига тақлид қилиб ва бир-биридан қолишмай, меҳмондорчилик расмини бажо келтирдилар.

Гапнинг қисқаси шуки, Андижондан отланилгач, ўн кун давомида тўқайзорлар ичида ҳар кун янги манзиллар тутдик ва тенгсиз шикорлар қилдик. Кундузи ов қилинса, кечаси лола юзли соқийлар билан бирга қип-қизил майга парранда гўштидан қилинган кабобларни газак қилиб ичдик. Ноҳид оҳангли мутриблар навоси остида суҳбатлар қурдик. **Байт:**

Тавони жаҳонро ба шоди гузор,
На шоди бимонад, на ғам пойдор.
[Қўлингдан келса жаҳонни шодлик билан ўтказ,
Чунки шодлик ҳам, ғам ҳам абадий эмас].

Хуллас, амир Умархон қуш овидан тўйиб, оҳу овлашга иштиёқ билдирганча Панжақум мавзесига кириб брдик. Бу мавзе ўзининг чегара билмас қумлоқ ери билан машҳур бўлиб, бу қум чети билан охиригача юрилса деярлик бир ҳафталик масофа. Биз турган қишлоқдан ҳам узоқ бир жой. Ул бепоён биёбонга шундай ҳаво совуқлигида етилгач, ўша ерга қўш ташлаб, амир эртаси куни тўрттаси овчи мерганлардан ва қолган олтитаси Хўқанднинг оҳу кўзлилари билан иборат бўлган ўн

нафар надими билан оху шикоргоҳи томон юзланди. Ўша аснода ул пари юзлилар ичида энг яхшиси ва мен банда билан дўстона муносабатда бўлмиш ҳусну жамолда танҳо биттаси (**Байт**):

Сарви ман рўзе ки бо шамшоду гул як жо нишаст,

Як сару гардан ба хуби аз ҳама боло нишаст.

[Сарвим шамшоду гул билан ўтирган куниси,

Боши ва гардани ила хубликда барчадан устун эди]. – югуриб келганча, совуқда тарашадек қотганлар боши узра шарқ қуёши ёки Хумо қаноти сояси каби ўз нурини сочиб «амир Сизни ва Муҳаммадалихонни чақирмоқдалар» деди. Бу хабарни ул пари юзлдан эшитгач, ўтга тушган исирикдек сапчиб ўрнимиздан туриб, амир томон юзландик. Амир ҳузурига етишиб, қарасак, сахрони сурув-сурув оху босган ва бу жониворлар бу биёбонда гала-гала бўлиб ўтлаб юришарди. Қум четига етишгач, амир фақирни ва Муҳаммадалихонни отдан туширди ва ўзи отда охулар томон кетди. Биз иккимиз эса охуларга пистирма қўйганча пойлаб ўтирдик. Амир ҳам бир ерга боргач, отидан тушди. Шикорчилар охуларни биз томон қувиб келиш учун қанча ҳийла ишлатишга уринишмасин, ул хуркак ёввойи ҳайвонлар милтиқ пилтаси ҳидини ёқтирмай, ҳар ёнга қочишарди. Анча вақт шу зайл фойдасиз ўтди. Биз эса ҳарактсиз ўтиравериб, совуқ қота бошладик ва қимирлашга ўзимизда мажол топмадик. Чунки ҳаво қаттиқ совуқ бўлиб, туфлаган тупугингиз шу заҳоти музлаб қоларди. Ҳар иккаламиз ҳам бир қават кийимда қор устида чору ночор амирдан кўрққанча бундай оху овининг мингтасидан воз кечиб, бундай ҳаётдан безор бўлиб тишни-тишга қўйиб ўтирардик. Қаҳратон совуқдан оёқ-қўлимиз ишламай қолгани етмагандек, айна пайтда ўлганнинг устига тепган бўлиб, иккаламизнинг ҳам қорнимиз очликдан таталамоқда эди. Ўша пайтда бир дона зоғора нон топилгудек бўлса, мингта Шом кабоби ва Рум палови ўрнига ўтарди. **Байт**:

Як парча нони қоқ ва як шалғами хом,

Беҳтар зи ҳазор охувони ваҳши.

[Бир парча қотган нон ва бир хом шалғам,

Мингта ёввойи кийик гўштидан яхшироқ].

Ниҳоят, қарасак, иш қўлдан чиқиб бормоқда. Муҳаммадалихонга юзланиб, нима бўлса-бўлсин, пичоқ суякка етди, тўфангларни отиб бўшат ва ўрнингдан тур, шу билан охулар қочиб кетса, бу балодан қутуламиз, дедим. Муҳаммадалихон мендан бу сўзларни эшитгач, қувончдан қичқирган кўйи биргаликда кийикларни ҳуркита бошладик ва кийиклар кўрққанча бошқа тарафларга путраб кетишди. Амирнинг бу ишимиздан жаҳли чиқиб, бизларни ёнига чақирди. Бироқ, бизнинг аҳволимизни кўриб, бу ишни жўртага қилганимиз ва шу туфайли ўзимизни балодан қутқариб қолишга қарор қилганимизни англади. Ноилож, бироз шаштидан тушди. Шундан сўнг иккаламизга ҳам ўшал қора кўзли йигит билан кетишимизга рухсат берди. Амир ҳузуридан ижозат рухсатини олгач, шукр қилганча ўйнаб-кулиб, йўлда қолдириб келган лочинлар билан оху овлаб, қўшга қайтдик.

Байт:

Ба чашм холи миёни ду абрўяш бингар,

Магар ки бар сари оху чархи тайрон.

[Кўз устидаги икки қош аро холини кўр,

Оху устида чарх ураётган лочинми у?)

Ўз чодиримизга етишгач, жонимиз омон қолди. Амир хуфтондан сўнг овдан қайтиб келиб, ўз шоҳона чодирига кириб кетди. Бирор соатдан сўнг бир *маҳрам* келиб, сизларни амир чақирапти, деди. Фақир дарров амир хизматига ошиқдим ва кириб қарасак, амир ниҳоятда хурсанд ва шоду хуррам ўтирибди. Олдида эса охулар уюми. Демак, амирнинг ови бароридан келибди. Сўнг менга қараб: – Сизлар кетгач, овимиз роса бароридан келди. Ҳар қалай, сизлар ҳам сабр қилганларингда анча кийик овлардингиз, – деди амир. Фақир ўрнимдан туриб: – Ҳар қалай, бизга рухсат бердингиз, акс ҳолда совуқдан ва очликдан ўлган бўлардик. Қувончлар ғам-андухга айланарди, – дея амир арзига етказдим. Амир бундай сўзларни мендан эшитгач, мириқиб кулди ва ўз ёнидан жой кўрсатди. **Байт**:

Суханро сахт носанжида гуфтам,

Дурри носуфтани буд он ки суфтам.

[Сўзни ҳеч ўйламасдан гапирдим,

Керак эмас дурни билмай тешдим].

Ўша куниси амирнинг битта ўзи йигирмата кийик отганди. Тунни ҳам айшу-ишрат билан ўтказдик. Эртаси куни амир кечагидек шикоргоҳ сари юзланмоқчи бўлди. Аммо, тўйиб еб-ичмоқ сўнгида қорин оғриғи, шодлик адоғида ғам ҳам борлиги эсига келмади. **Мисраъ**: Ганж бо мор аст, гул бо хор, масти бо хумор (Ганж илон, гул тикон, мастлик хумор билан бирга бўлади); Ўша чоғда ҳазрати илоҳий кудрати билан яралиш ва бузилишга маҳкум оламини шундай қоронғулик босдики, бу зулмат худди ошиқларнинг ҳижрон кечасини эсга соларди. Қоп-қора булутлар қуюқлашгандан бирор

соатдан сўнг кўз очдирмас даражадаги қор ёға бошлади. Уч кеча-кундуз давомида совуқ шиддати баттар авж олиб, ҳеч кимнинг ўрнидан қўзғалишга ҳоли етмай, ҳар ким ўтирган жойида ўтириб қолди. Яна тағин бу қиш кунлари халқ орасида озиқ-овқат танқислиги рўй бериб, егулик бирон нарса топилмасди. Агар топилса ҳам бирини юз баҳога сотиб олишга тўғри келганди. Уч кун шу қор бўрони ва зулмат тўзони билан кечди. Тўртинчи куни совуқ шиддати бир қадар пасайди. Ҳаво яхшиланиб, оламни кезувчи офтобнинг олтин қанотли семурғи бу ўткинчи олам узра намоён бўлди. Қуёш ўз нурлари иссиғи билан оламни ёруғ ва мусаффо айлади.

Хулласи калом, амир Умархон дарҳол ул бепоён даштдан қўзғалиб, тез суръатларда йўлу манзилларни босиб ўтганча Ёзьябон мавзесига кириб борди. Эртаси куни у ердан кўчиб, Ёрмазор томонга юзланди. Ўша маҳалда шикор муддати ҳам бир ойга чўзилган эди. Амир Ёрмазорга қўш ташлади. Ато қўлини ёзиб, бир куни ҳурматга сазовор амирларини йиғди ва қувонч-шодлик эшикларини очиб, гулранг бодалар шўху шанг соқийлар қўлида беомон айланди ва хуш оҳанг мутриблар созидан чанг овози янгради. **Назм:**

Ба гардиш даромад майи лолагун,
 Ба оҳанги чангу найу арғанун,
 Гирифта ба каф соқии гулўзор,
 Шаробе беҳ аз лаъли нўушини ёр.
 Муғанни ба илҳони мардумфиреб,
 Бибурд аз дили аҳли мажлис шикеб.
 Зи бас хўрдани ратлҳои гарон,
 Барун рафт хуш аз сари сарварон.
 Шаҳи ишратандеш соҳиби карам,
 Кироми сипоҳ ва сарони ҳашам.
 Ба қонуни Жамшид ва ойини Кай
 Набуданд як ҳафта холи зи май.
 [Лоларанг май айланишга тушди,
 Чанг, най, арғануни садоси остида.
 Гул юзли соқий олди қўлига
 Ёрнинг лаъли лабидан яхшироқ шаробни.
 Муғанний одам сеҳрловчи товуш билан,
 Йиғин аҳли дилидан ташвишларни кетказди.
 Катта қадахлардан ичавергач,
 Сарварлар бошидан хуш чиқиб кетди.
 Ишрат андеш шоҳ, соҳиби карам,
 Қўшин каттаси ва ҳашаматли бошлиқлар,
 Жамшид қонуни ва Кай¹⁵⁵⁹ расми билан,
 Бир ҳафта майдан холи бўлмадилар].

Ўша кечаси барча ҳурматга лойиқ амирларга подшоҳона инъомлар ва хусравона эҳсонлар берди. Шу жумладан жаноб қиблагоҳимга қора тусли олмахон терисидан пўстин ва шамлайи азими хоний(?), битта зийнатланган шамшир ва ўзининг дашт шамолидек учувчи тоғ сағрили отини эгаржабдуғи билан ва биттаси гавҳар ва иккинчиси қизил ёқут чиғовулли иккита хос лочини ҳамда ясалишига тўрт минг тилло харжланган ўзининг безакли қимматбаҳо хос камарини берди. Бошқалар ҳам ўз мансабига қараб шу каби лутфларга сазовор бўлдилар. Бир ҳафтадан сўнг ул вилоятдан кўчиб, пойтахт сари юзланди. Икки манзилдан кейин мақсад сари етишди ва йўл чарчоқларини ёзиб, халқ арзини сўраш ва уни адолат билан ҳал этиш ишларига киришди. **Байт:**

Ҳалқаи зарринчашми бозро аз рўйи лутф
 Дасти адлаш зевари пойи кабутар карда буд.
 [Лутф юзасидан лочин кўзидаги заррин халқани,
 Адолат қўли кабутар оёғига безак қилган эди].

Ва Фарғона мамлакати фарзона подшоҳ амир Умархон адолати шарофатидан ризвон боғлари улуғворлигига шуҳрат қўшадиган даражага етди. Ўша замонда салтанат иши ва улуғлик сари нур сочувчи бир эшик очилиб, порловчи қуёш дури халифалик ва мақсади ҳосиллик уфқидан балқиб чиқди. Балки, Раҳимхон¹⁵⁶⁰ нинг авлоди осмонида турли табақадаги инсонлар боши узра тенг нур

¹⁵⁵⁹ Эрон шоҳларидан каёнийлар сулоласи асосчиси Кайқубодга ишора.

¹⁵⁶⁰ Шохрухбийнинг ўғли Раҳимбий (ваф.1733 й.) назарда тутилмоқда.

сочувчи қуёш кўриниш бериб, мамлакат олувчилик бахтига сазоворларнинг умид кўзини ёруғ қилди, мақсади ҳосиллик эса йўқлик қўйнидан борлик бўстон саройига қадам қўйиб, лутфу карам соясини бани одам тоифаси боши узра ёйди. **Маснавий:**

Ба файзи кирдигори лоязоли,
Дарафзуд дар ақд маоли.
Паидид омад ажаб фархунда фоле,
Жамолаш офтоби безаволи.
Вужудаш нурбахши чашми умед,
Зухураш мужиби иқболи жовид.
[Аллоҳи таоло файзи билан
Адолати замонида бир эшик очилди.
Ажаб бир бахтли фол юзага чиқди,
Жамоли қуйи энмас қуёш юзи.
Вужуди умид кўзига нур бағишловчи,
Намоёнлиги мангу бахту иқбол сабабчиси].

1234/1818-19 йили ҳазрат воҳиб ул атоё – инъомлар бахшида қилгувчи ҳазрати худованд амир Умархонга Моҳлар ойим бинт Раҳманкул *оталиқдан* бир ўғил каромат қилди. Унинг гўдаклиги айёмидан бошлаб давлату иқбол нурлари ҳоли жамолидан балқиб ва ўспиринлик пайти бошланиши замонидан шавкату иқбол аломати фархунда фол пешонасидан ярқираб турарди. Қуёш нурли юзи зиёси субҳи содиқ хабарчиси каби улуғлиги ва мамлакат олувчилигининг офтоби Раҳимхон сулоласининг бу меваси умид машриқидан рўзгор сафаҳотида инсонлар боши узра ёйилажаги хабарини ва қуёш аломатли чехраси сафоси саҳарий юлдуз нурлари сингари тез орада фоний олам мазлумларининг қоронғулик туни халифалик ва жаҳонбонликнинг бу пок аёнининг адолати чироғидан шодмонлик ва ёруғлик кунига айланажаги башоратини берарди. Илоҳий иноят насимининг шаббодали баҳори бу подшоҳлик боғининг ғунчасини амир Умархоннинг умид гулшанида очилтиргач ва иқбол даракчиси ул олий гавҳар боланинг бахт аломатли туғилиши хабарини бергач, бу фақир ул қувончли воқеани амирнинг жон қулоғига етказиб, суюнчи сўрадим. Ниҳоят даражада хурсанд бўлганидан менга суюнчи пули ўрнида эғнидаги хос либоси ёнига қўшиб олтин эгар-жабдуғи билан бир арабий наслдор от ҳам берди. Жуда ҳам хурсандчилик ва қувонч оғушида тўйга тайёргарлик ҳақида буйруқ берди ва бир неча кун давомида шодлик палосини ёйиб, ширин таъмли май қадахларини лола юзли соқийлар қўлидан нўш айлади. Ул дилбанд фарзанднинг номи ва лақабига Султон Маҳмудхони валинеъмат исми муносиб кўрилди. Ул саодатманд чақалоқни эмизиш ва парваришлаш учун бир нечта Зухро манглай аёллар тайин қилинди ва шоҳзода иззат ва меҳробонлик бешигига беланиб, меҳру муҳаббат гўшасида мақсади ҳосиллик топди. **Маснавий:**

Бале, бе сухан субҳи гетифурўз,
Бувад мухбир аз равшанийи рўз.
Шавад зоҳир аз нур иқболи меҳр,
Ки созад мунаввар тамоми сипехр.
[Ҳа ҳеч сўзсиз, оламни ёритувчи тонг,
Куннинг ёғдули бўлишидан хабар беради.
Қуёш иқболи нуридан бўлур пайдо,
Ки у бутун осмонни мунаввар айлар].

Амир Умархоннинг Ўратепа томонга қўшин тортгани зикри

Бир неча вақт шу янглиғ ўтгач, 1235 йили қуёш Саратон буржида туриб (21 июндан-23 июлгача), ҳаво айни қизиган пайти амир Умархон Фарғонанинг барча лашкарини йиғди ва кўп дабдаба билдан Ўратепа мамлақати сари юзланди. **Мисраъ:** Зафар ҳаминон, нусрат андар рикоб (Ғалаба от жиловига ёр, зафар узанги аро); Бу уруш сафари мен ва Муҳаммадалихон учун биринчиси бўлиб, амир бу гал бизни ҳам бирга олиб кетди. Амир Умархон уч манзил юргач, Хўжанд вилоятига кириб борди ва икки кун шу шаҳарда туриб, лашкар тайёргарлиги билан машғул бўлди. Учинчи кун катта дабдаба билан юзини мақсад сари қаратди. Анча йўл босгач, етиб келган Хон кўриғи мавзесини қўшинининг лашкароғига айлантирди. Эртаси кун у ердан кўчиб, Сарой қишлоғига қўш ташлади. Ўша оқшомиси лашкарни урушга тайёрлаш ишлари билан машғул бўлди. Эртасига қуёш Жамшиди оқ байроғини зангори осмон узра ёйгач, Фаридун мартабали амир елдек учар «Хумо кўк» номли отига миниб, шавкат дастгоҳли сипоҳ аҳлига юзланди ва «Лашкар қўшибеги, Шоҳи парвоначи, Муҳаммад *додхоҳ* яна бир нечта жангчилар билан ҳировулда таваккал байроғини ҳилпиратсинлар ва

Эрназарбек *девонбеги*, Абдулкарим *додхоҳ*, Хонхожа *мир асад* ва яна бир гуруҳ қаҳрамон жангчилар биргаликда бурунғорда душманга қақшатғич зарба берсинлар» деган буйруқ берди. Саййидлик паноҳи Маҳмудхон ихтиёрига эса Андижон лашкарини топширди. Хушвақт *қўшбеги* ва Мирзо Раҳим *парвоначи* жувонғордан уруш майдонига кирадиган бўлишди. Саййидлардан жаноб эшон Тўрахожаи *хожа калон*, жаноб Султонхонхожаи *хожа калон*, жаноб қиблагоҳим *шайхулислом* ва эшон Тўра *ўроқи калон* ҳамда амирлардан Қосимбий *оталиқ*, Ражаб *қўшбеги*, Мирзо Малла *додхоҳ* ва қолган бошқа амирлару *нўёнларнинг* бир гуруҳи билан подшоҳликнинг баланд мартабали туғи сояси остидаги қалб қисмда туриб, олий ҳимматини душманни янчмоқ ва ўлдирмоқ сари қаратдилар. Амир кўшинни шу тартиб ва услуб билан тузганча Ўратепа сари юзланди. Амир ўшанда менга ўзининг безакли қалқони ва «Давлат туруқ» номли шамолдан учқурроқ отини инъом қилди. **Байт:**

Саюрдаму саюрсаму саюрёл,
Ажаб набувад ки парад бе пару бол.
[Ўткир нафас, ўткир туёқ, ўткир ёлли,
Қанотсиз, парсиз учса ҳеч ажаб эмас].

Муҳаммадалихонга ўзининг елдек учар хос оти «Ҳамдам кўк»ни илтифот қилди. Муҳаммадраҳим *девонбеги* нусрат дастгоҳ сипоҳни бу ҳолатда кўргач, ноилож ташқаридан қайтиб, шаҳарга кирди ва дарвозаларни хокрез билан беркитиб, қалъани химоя қилишга киришди. Амир Умархон ана шундай дабдаба ва шавкат билан Ўратепа вилоятига кириб борганда аҳолидан биронтаси ҳам қалъа ташқарисида қолмаган эди. Амир кўшини бу мустаҳкам қалъани «нун» ҳарфи ўртасидага нуқта каби ўраб олиб, шу кўйи қалъа атрофида кўш ташлади ва қамал, уруш ишини бошлади. Қалъани тўплардан худди дўл ёғаётгандек қилиб ўққа тутишди. Шаҳар ичига тўхтовсиз ёғаётган тўп ўқларидан қалъа аҳлидан биронтасининг бошини кўтаришга имкони қолмаганди. Пешиндан сўнг лашкар аҳлининг кўпи яна ўз олдинги жойларига қайтишди. Шунда амир Умархон мени ва Муҳаммадалихонни ўз ўрнига кўйиб, ўзи бир нечта надим ва *маҳрамларини* ёнига солганча бироз ҳордиқ ёзиш ва таҳорат олиш мақсадида дарё қирғоғига бориб ўрнашди. Ўша чоғда Муҳаммадраҳим *девонбегининг* аскарлари секин-аста шаҳардан ташқари чиқиб, Хожа шуҳадо Вали мавзесида йиғилганча бизнинг рўпарамизда саф тортиб турдилар. Шундай бир маҳалда амир Умархоннинг «Сардори галла баҳодир» лақабли мансабдори бўлмиш Юсуф *парвоначи* олдимизга келди. Биз тажрибасизлик қилиб ва болалигимиз орқасида ул ҳайвон сифат одамга «амир бизга лашкарга қўмондонлик қилиш ва душманни ўраб олиб янчиш ҳақида фармон берганлар» дедик. Ул саҳройи дев бизнинг гапимизга амал қилиб, топшириғингиз бош ва кўз устига, деганча қайтиб кетиб, Хушвақт *қўшбеги*, Мирзо Раҳим *парвоначи*, Хонхожа *мир асад* ва Абдукарим *додхоҳ* каби *сардорларнинг* тўрттасини ҳам жанг сари отлантирди. **Байт:**

Пири хирад аз тарҳи суханронии ў,
Донист ки кужост нодонии ў.
[Доно киши унинг гапиришидан,
Нодонлиги қаерда эканин билиб олди].

Тўрттала *сардор* ул аблаҳдан топшириқ олгач, бирданига душман устига ташланишди ва икки орада уруш бозори қизиб, ўлим даллоли кекса-ю ёшни бир хил нарҳда пуллади ва жанггоҳ тупроғи марди майдонлар қонидан қип-қизил бўлди. Бизлар ўз қилмишимиздан пушаймон бўлиб, афсус ва надомат кўлини бир-бирига урдик, фитна оташини қандай қилиб ўчириш чорасини ахтариб, бошимиз қотди. Шунда бу аламли ҳодисадан амир Умархон хабар топиб, тезлик билан ёнимизга келди ва воқеа тафсилотни суриштирди. Бизлар эса кўрқувдан товушимизни чиқармасдик. **Мисраъ:** Гаҳ аз савол малулам, гаҳ аз жавоб хижил (Гоҳ саволга ҳолим етмас, гоҳ жавобида уятдаман); Бошқалар бўлса биздан кўрққандан бу иш ҳақида сўзламай туришарди. Амир Умархон «кетишдан олдин барибир гап нимада бўлганини билиб оламан» дея қисталанг қиларди. Ниҳоят, надимларнинг, амир то бу жанг сабабини билиб олмагунча, масалани бу янглиғ очиқ қолдирмаслигига аниқ кўзлари етиб, кўрқувдан чор-ночор савол жавобини менга ҳавола этишди. Амир дарров бундай беадабликнинг биз томондан содир бўлганини фаҳмлаб, ғазаби қайнаганча менга дашном беришга тушди. Фақир дедим, **мисраъ:** Ин низ ба давлати ҳумоюни ту буд (Бу ҳам сенинг қутлуғ давлатинг шавкатидан бўлди); Шундан сўнг ҳеч нарса демади ва душманни тор-мор келтириш ҳақида буйруқ берди. Саркардалар амирдан топшириқ олгач, душман сари юзландилар. Уруш айна қизиб турган пайтда кўшин амирдан фотиҳа олганча ғаним устига бостириб кетди ва икки томон бир-бири устига ташланиб, жанг шиддатга минди ва ўликлардан тепаликлар ҳосил бўлди, қасоскор баҳодирлар оти туёғи остидан чиққан чанг тўзони оламни қоронғулик ва зулматга чулғади. Ниҳоят, Муҳаммадраҳим *девонбегининг* жангчилари қочмоқ сари юзландилар, аммо, улардан жуда оз қисмигина неча мехнату-машаққат ила

отларини ташлаганча қочиб қутулди – бу пиёдлардан бир бўлаги ўзларини хандакқа урдилар, хандакдаги сувдан минг бир азобда зўрға қутулиб чиққанлари эса дарвоза олдини хокрез¹⁵⁶¹ қилиб, ўк ва тўфанг отиш билан машғул бўлдилар. Ғалаба аломатли сипоҳ аҳли уларни қувлаб бориб, кўпини ўлдирди ва қанчаларни асир олди. Ниҳоят, ғалаба ва зафар билан орқаларига қайтиб келиб, амирга шон-шараф айтдилар. Амир хизматларига қараб уларнинг ҳар бирини ўзининг подшоҳона лутфи ва хусравона марҳаматига сазовор этди. Аммо, қараса бу вилоят келинчагини осонликча бағрига боса олмайди. Ноилож, эртаси куни у ердан кўчиб, Ўратепанинг Кух поясига кириб бордик. Бу маҳалда буғдой пишиғининг айни пайти эди. Буғдой бошоқлари яхши етилиб пишган ва буғдой поялари ичига от ёки одам кирса яширадиган даражада бўй тортган эди. Амир Умархон буғдойзорларга ўт қўйишни буюрди. Буғдойзорни ҳўлу куруқ баравар ёнадиган тарзда гуркираб ўт олди. Уч кеча-кундуз мобайнида чумоли-ю, чигиртка мисоли сон-саноксиз қўшин аҳли дастидан на қишлоқда уй ва на боғда дарахт ва на даштда ҳосил қолди ва тоғу даштни хас-хашакдан шундай шип-шийдон қилдиларки, тошу тупроқдан бошқа ҳеч нарса қолмади. Тўртинчи куни амир Умархон қайтиб, Оқсув мавзесига кириб борди. Эртасига у ердан кўзғалиб, Хўжанд шахрига бориб тушди. Ул вилоятнинг пари юзли гўзаллари билан айшу-ишратга машғул бўлди. Ўшанда жаҳон паноҳ ўз таъби маҳсули сифатида ушбу байтни битган эди. **Байт:**

Асири чашми хубони Хўжанди гаштаам яксар,
Намеоюд ба хотир фикри туркони Самарқандам.
[Хўжандлик кўзи хўбларга асир бўлдим бир бора,
Самарқанд туркийларининг ёди келмас хотирға].

Ўша пайтда ҳожи Қурбоннинг Хоразм ҳокими элчиси билан бирга етиб келгани хабари етишди. Бу гапнинг тафсили шуки, илгарироқ ҳожи Мир Қурбон амир Умархон томонидан Рум султони ҳузурига элчи қилиб юборилган бўлиб, қайтишда Урганжга кирган эди. Муҳаммадраҳимхон мазкур ҳожи келаётганидан хабардор бўлиб, Рум подшоҳи Султон Маҳмудхоннинг амир Умархонга атаб юборган совға ва ҳадяларини [қўриқлаш ишини ўз зиммасига] олиб, уларни кейинроқ юбориш мақсадида ёнида олиб қолган, аммо, ўша тобдаёқ ҳожи ёнига эса ўзининг элчисини кўшиб юборганди. Амир бу хабарни эшитиб, кўп хурсанд бўлди. Истикболига одам юбориб, муносиб бир уйга жойлаштириш лозимлигини топширди. Ўша аснода Абдулазизхоннинг укаси Шох Иброҳимхон акаси ёнидан қочиб амир ҳузурига келгани хабари ҳам етишди. Бу қувонч асарли хабардан ҳам севиниб, олдига кутиб олиш ва яхши бир уйга тушириш, меҳмондорчилик ишини адо этиш учун одам жўнатди. Эртаси куни амир Умархон ул тенгсиз гўзал шаҳардан кўзғалиб, Қарақчи қум¹⁵⁶² мавзесига кириб борди ва у ердан ҳам кўчиб, Собир тепа қишлоғи¹⁵⁶³ да қўш ташлади. Ўша оқшомиси халқнинг арзу додини тинглади. Тонг отгач эса лашкар аҳли йиғилиб, қутли кўрунишга тайёрлансинлар, дея жар солдилар. Ўша маҳалда лашкар аҳли шу даража орасталик топган эдики, кўпчилиги тилло ва кумушга ғарқ бўлган эдилар.

Гапнинг қисқаси, амир Умархон кўп бир савлат ва ҳашамат билан тоғ яғрили, елдек учар отига миниб, катта дабдаба билан Хўқанд сари юзланди. Ўша орада мазкур элчиларни шиғовуллар ва удайчилар тайёрлаб, узоқдан отдан тушириб, хон шарафига дуолар қилдирдилар. Шох Иброҳимхонни югуртириб келиб, элчилар билан мулоқот қилсин деб буюрган эди. Элчилар бу ҳашаматни ҳам кўриб, ўй денгизига чўмганча, буларнинг барини томоша қилиб борардилар. Ўша вақтда иттифоқан даштда бир гала турна ўтлаб юарди. Амирнинг кўзи турналарга тушиб, Маҳмудхожа *жилов қўшибеги* кўлида турган ўзининг «Буғдойик» номи билан танилган хос лочинини ўша турналарга қўйиб юборишни буюрди. Бу лочиннинг бир таажжубли жойи шунда эдики, барча паррандаларда ўн иккитадан кўп дум бўлмагани ҳолда, бу қарчиғайнинг думи ўн тўртта эди. Мазкур хожа дарҳол ул қарчиғайнинг тумоғини бошидан олиб, осмонга қўйиб юборди. Тез учар лочин парвозга киришиб, кўкка кўтарилиб улгурган турналар галаси устига шундай тезлик билан ташландики, унинг бу кўтарилиши гўё осмонга учиб кетгандай бўлиб, гоҳ қараб турганлар кўзига кўринар, гоҳ кўздан йўқолиб қоларди. Турганларнинг бариси қарчиғай учишини хайрат бармоғини тишлаганча томоша қилардилар. Ниҳоят, гала орасидан битта турнани ажратиб олиб, чангалига қисганча ер томон пастлай бошлади. Қарчиғай ерга яқинлашаркан амир Умархон *махрам*ларига кетидан бориб, тезда буёққа олиб келинлар, дея буйруқ берди. *Маҳрам*лар югуришиб бораётганларида қарчиғай ҳали ерга қўнмаган эди. Шунда, ҳалиги турна галаси ичидан бир турна ажралиб чиқиб, ўзини шўнғишга чоғлаб, пастга қараб юзланди. Лашкар аҳли бу ҳолатни диққат

¹⁵⁶¹ Хокрез – тупроқ билан тўлдирилган жой.

¹⁵⁶² Қарақчи қум – Хўжанд-Қўқон йўлидаги мавзе.

¹⁵⁶³ Собир тепа қишлоғи – Қарақчи қум-Қўқон йўлидаги қишлоқ бўлган.

билан кузатиб турарди. Қарчиғай чангалидаги ови билан ерга қўнғач, ҳали мир шикорлар ва маҳрамлар етиб келмасдан бурун қарчиғай ва турна бир-бирига ёпишиб, тупроқ ва қонга беланиб ётишганда ҳалиги ўз галасидан айрилиб чиққан турна ҳам устларига етиб келиб, тумшуғи билан қарчиғайни яралади ва овланган турнани неча қийинчилик ва азобда қарчиғай чангалидан қутқариб олди, кейин ҳар иккаласи ҳам парвозга киришиб, ўз тўпига етиб олдилар ва бир зумда кўздан ғойиб бўлдилар. Бу ажиб ишни кўрган лашкар аҳлининг бариси таҳсин бармоғини тишлаб, ўй денгизига чўмдилар. Чунки, бунда не ҳикмат борлигини ҳеч ким била олмай қолганди. Ақллар лол ва саргардон эди. Маҳрамлар қарчиғай ётган жойга бориб, уни амир олдига олиб келишди. Лочин бечора қон ва тупроққа беланган эди. Кўзини очишга ҳоли келмасди. Амир мир шикорга қарчиғайни даволаш ҳақида буйруқ берди.

Амир Умархон ана шу тартиб ва йўсинда томоша қилганча йўл юриб бораркан, саййидлар, уламо, фуқаро барчаси гуруҳ-гуруҳ истиқболига чиқиб, дуо қилишарди. Амир фатҳу нусрат билан салтанат саройи Хўқандга кириб, ўз давлатхонасига тушди. Айшу-ишратга машғул бўлди.

Амир Умархоннинг Марғинон ва Андижон томонга шикор учун боргани зикри

1235/1819-20 йили амир Умархон Фарғона шикорига қарор қилди. **Назм:**

Он жавонбахт, Искандартахт, Доро¹⁵⁶⁴ кирдор,
Руйи оламгир дар як рўз хуршед иқтидор.
Бар туфанг оташ диҳад дар рўзи разм, эй дўстон,
Мебарорад душманони хешро дуд аз димор.
То фалак дорад сар аз меҳру маҳ тож аз калла,
Бод давлат барқарору тахту бахташ пойдор.
[Ул жавонбахт, Искандар тахт, Доро ҳашамат,
Бир кунда оламини олувчи қуёш қудратли.
Милтиқни ўт олдиурса уруш пайти, дўстлар,
Душманлар бошидан чиқарар олов-тутун.
Фалакнинг бўлса боши қуёш, ойдан, турсин
То абад давлати барқаро, тахту бахти мангу].

Алқисса, шикор базмига азм қилиб, овга қуш солувчи соҳиби парвозлар дил қушини овлаганча ва шикорчиларни қарчиғайдек ҳар йилги одатига кўра яна қўлга киритганча, дор ас-салтана Хўқанддан – Аллоҳи таоло уни ҳар хил балолардан ва ёмон кўзлардан омон сақласин – чиқиб, саодат нишонли мавкаби жиловини Марғинон ва Андижон ва Шаҳрихон томонларга бурди. Йўли чангидан қуёш ва ой ўз кўзи равшанлиги учун суртадиган сурма жавоҳирини топишди. Халқ тили манави ғазални тараннум қилди. **Шеър:**

Ба ин ният амир ал-муслимин сўи шикор ояд,
Ки баҳри сайди дилҳо шоядам рўзе ба кор ояд.
Мапурс аз мозиву мустақбили ҳоли шикори ў
Бар ҳар сайде ки ў имсол хоҳад кард бор ояд.
Ба раҳму лутфи сардорони худ дорад зи бас дасте,
Илоҳо давлату иқболу бахташ пойдор ояд.
Намедонам чи хосият бувад бо ин шикорафкан,
Ба он сайде ки ў дорад ажал сўяш дучор ояд.
Баҳори андуҳи халқе бин, ки кас дар гулшани мулкаш,
Агар нашукуфт гул, гул дар дили ў хор хор ояд.
Шаҳе бисёр омад дар замин аз модари гити,
Кам афтодааст зи ин сон коми бахташу комкор ояд.
[Шу ният-ла амир ал-муслимин шикор томон келади,
Балки дилларни овлаш учун бизга бир меҳрибон келади.
Ўтган ва келажак овларидан сўрама ҳолу аҳволин бугун,
Бу йил неки сайд этса, чексиз баракати бу замон келади.
Раҳму лутфи анинг бениҳоятдир сардорларига доим,
Давлату иқболу бахти мангуга устивору омон келади.

¹⁵⁶⁴ Эрамиздан олти юз йил олдин яшаган Эрон шоҳи Доро Биринчи (Дороюши кабир) кўзда тугилмоқда.

Билмадим, не хосияти бор бу овчининг шикорида, ахир,
Олдида сайднинг тортиб ажали лолу ҳайрон келади.
Ким ботиб ғам-андух баҳорида мулки гулшани аро,
Очилмаса гул-гул, шоҳ юрагига ғам ушбу он келади.
Кўп шоҳлар келди бу оламга, лек, қайси бахтли эди
Бу шоҳ каби комкор ва бундай шоҳ яна қачон келади].

Ўша саодатли соатда оху кўзли, йўлбарс ғазабли, товус юришли, тўти гуфтор турклар зар ипли қўлқопларни ўз белларидан суғуриб олиб, **байт:**

То камар бар баҳлаи он турк назокат маст баст,
Нозуки бар хизмат мўйи миёнаш даст баст.

[Ул маст турк камарига зар қўлқоп боғлаганда,
Нозиклик қилдек белига хизмат кўлин чўзди]. – ошиқларнинг чок-чок юраги каби қўлларига кийганча фалак овчисининг сайд қилувчи майхонаси шаробини синдириб, муштоқлар дили каби гулдан бўлган қўлқопларини ва доғдор лолаларни қўлларига қўйдилар. **Қитъа:**

Баҳри-ю, шоҳину чарғу бозро бар доштанд,
Жилваи сайдафкани он рўз дигар доштанд.
Аз лаби ширин ба тунди гарчи мегуфтанд талх,
Аз малоҳатҳо валеқан шўри маҳшар доштанд.
[Баҳрин, шоҳин, чарғ ва лочин кўндириб қўлга,
Бу гал ўзгача рух ила тушишди ов сари йўлга.
Ширин лабдан гар аччиқ устида талх сўз чиқса,
Малоҳати лек қиёмат кунин соларди кўнгилга].

Шу кетишда сийнаси лаълу ёқут шодасидан ялтираб турган лочинларни ва худди олтин гардиш ичига олинган узук қоши каби бўйнига шоҳвор дур осилган жониворларни ов кетидан қўйишар, уларнинг тумоғ ва туморларининг зар ипи ялтирашидан ой ва тонг юлдузи куёш олдида турган каби рашкдан ранги сўлиб, оловда куяр эди. Қон оқизувчи қассоб болалар бераҳмлик билан олтин бўйинбоғ ва кўнғироқчаларини шаҳидлар ва ишқ қиличи қурбонларининг чала жонлари каби тирноқли чангақлар билан ер тубан осилтириб, фаранг ипақларини адл қоматли жононлар қулоғи остидан ташлаб, ошиқлар қалбида фитна кўзғатган каби ранг-баранг олтин ва кумуш бандларга тизган, амалдорлар хизматчилар сингари эғнида наввотий чакман ва сақарлот билан шай туришар, *мири шикор*¹⁵⁶⁵ лар хизмат ва итоат юзасидан икки кўлини боши узра кўтарган ҳарбийлар каби бир оёғида сарв саҳидек турган кўйи боз (лочин), шоҳин (шунқор) ва баҳрин (қарчиғай) учиришни ташкил этиб, қулоқ тумоғасини бошига эгри кўндирган ҳолда уларни худди жангдаги каби найза, ханжар ва кўланг кўрқинчидан баҳодирлик дубулғаси сингари кийишган, ҳар бир одамнинг узангисида олтин ва кумуш бўйинбоғлик тозилар келар ва ола-була тусли итлар алвон ранг лола ва йўл-йўл либосли йўлбарсдек неча бир ранг ила мир шикор олдида лаб-лўнжи осилишига қарамай гули хандон ғунча каби хандон ва очилиб-сочилганча ланглаб ул тарафга қараб боришарди.

Ўша пайт амир келаётганидан қиблагоҳим хабар топиб, амирга меҳмондорчилик қилмоқчи бўлди. Хўқанд шаҳрининг тўрт фарсах шарқий қисмидаги Хазлон дашти ўртасида ниҳоятда латофатли ва кўнгил очар, тароватли ва киши руҳига ором берувчи сўлим бир чорбоғимиз бўлиб, у каттагина анҳор қирғоғида жойлашган ва ¹⁵⁶⁶ ҳам бу дарёнинг зилол сувига лаб ташна эди. Кавсар ва Тасним ариғи¹⁵⁶⁷ ҳам унинг мазали суви олдида уятда қоларди. Боғ ичида нақш билан безатилган қасрлар бўлиб, гўзалликда Қайсар¹⁵⁶⁸ ва Фағфур¹⁵⁶⁹ қасри устидан қуларди. Чаҳорбоғ ичи жаннат бўстонидек хушбуй ва Эрам боғи каби қувончни орттирувчи, анвойи гуллар очилган ва сайроқи кушлар ҳар бир гул шоҳи учида ўтирган. Амир Умархон ёнидаги эътиборли амирлар қуршовида неча бир шон-шавкат билан ул боғ сари юзлангач, орқасидан муҳтарам ҳарамлари ҳам ой юзли канизларини олиб, неча бир дабада ила йўлга тушдилар. Бу хабарни қиблагоҳим эшитгач, мени амир истиқболига жўнатди. Фақир бир-икки фарсах йўл юриб, амирнинг олдида чиқдим ва чорбоғимизга таклиф қилдим. Амир каминанинг арзини қабул қулоғи билан эшитиб, чорбоғдаги осмон нишон маконда жойлашди ва мени ҳарамини ҳам шу қасрга олиб келиш учун юборди. Мен ҳам муҳтарам ҳарамни ул дилкушо қасрга етказдим. Амир ҳарам аҳли билан дам олиш ва айшу ишратга машғул бўлди. Ўшанда ҳусну малоҳат аҳли ва хуш овозли нағма айтувчилардан анчаси йиғилиб, уч кеча-

¹⁵⁶⁵ Мири шикор – ов ишлари, ов итлари ва қушларига жавобгар амалдор.

¹⁵⁶⁶ Хизр алахиссаломнинг Зулумот оламидан топган афсонавий “оби ҳаёт” – тириклик суви булоғи.

¹⁵⁶⁷ Жаннатдаги ариқлар номи.

¹⁵⁶⁸ Рум подшоси номи.

¹⁵⁶⁹ Хитой подшоси номи.

кундуз айшу шодлик арбоблари мажлиси қизигандан-қизиб турди – дил тортар нағмалар, кўнгил очар тароналар ёшу кекса, катта-ю кичиклар қувончига қувонч бағишлади. Қизил шаробга лиммо-лим тўлган биллур қадахларнинг яраклаб товланиши майпарастлар юзига нур ва софлик бағишлади, Зухра манглай¹⁵⁷⁰ соқийларнинг қуёш нурлари билан беллашадиган юзлари жилоси мастлар йиғинини осмоннинг нурли фазосидек ёруғлантириб юборди. **Маснавий:**

Парипайкар бутони нағмапардоз,
Гаҳе аз соз дилкаш, гаҳ зи овоз.
[Нағма қилувчи пари пайкар санамлар,
Гоҳи соз чалишар, гоҳ қўшиқ айтар].
Шеър: Навои айшу ишрат месуруданд,
Нишоти боданўшон мефузуданд.
[Айшу ишрат навосини чалдилар,
Ичувчилар шодлигини оширдилар].

Ул бахту сурур кунларида баковуллар соат сайин феруза осмон жинслари сонича турфа таом тўла дастурхонларни тайёр ва муҳайё қилиб турдилар. Лазиз таомларнинг кўплиги ва мазали, майин ичимликларнинг турли-туманлиги инсон боласининг иштаҳа туйғуси ва овқатга ҳирси ҳиссиётини олам юзидан супуриб ташлади. **Маснавий:** Ба базми хусрави ҳар дам мукаррар,

Шуди хонҳойи неъмат руҳ парвар.
Ба ҳар хоне зи неъматҳойи шоҳи,
Муҳайё буд чандоне ки хоҳи.
[Шоҳлик базмида доимо такрор,
Рух озиғи неъматлари тўла дастурхон.
Ҳар хонада шоҳлик неъматлари тайёр,
Нимани ва қанчани истаснгиз муҳайё].

Ва амирга лойиқ пешкашлар ва муносиб армуғонлар тортиқ қилдик. Амир ҳам улар ёнига ўзидан инъомлар қўшиб, барчага илтифотлар кўрсатди. Шундан сўнг ул қувонч орттирар боғдан кўчиб, бир манзил наридаги Ёр мазор мавзесига кириб борди ва амирларнинг ҳар бири ҳам муносиб бир уйга жойлашдилар. Бу ерда ҳам амир Умархон саховат қўлини хосу авом учун очди.

Аммо, айти шундай пайтда Ҳайдари каррор¹⁵⁷¹, яъни ҳазрат Али авлодидан бўлмиш биродарим Жаҳонгирхожа ва Ҳаққулибой қирқ жангчи билан қочиш йўлини ихтиёр этиб, ғазовот уруши ниятида Кошғар вилоятига юзландилар. Бу хабар тонг отгач вилоятнинг барча ери бўйлаб ёйилди. Амирнинг вазири улар кетидан жанговар кишилардан бир неча нафарини юборди. Бироқ, қочоқлар ҳодисасини амир Умархонга етказишга ҳеч кимда журъат топилмади. Ниҳоят, амирлар бир-бири билан маслаҳатлашиб, мени бу иш учун маъқул топишди ва камина амир ҳарамига кириб, унинг ноз уйқуда донг қотиб ётганини кўрдим. Қанчалик ой юзли ва анбар сочли канизлардан амирни уйғотишлари ҳақида илтимос қилмайин, бу иш учун ҳеч бирида заррача ботирлик топилмади. Ноилож, ўзим яқин бориб, секин амирнинг оёғидан ушладим. **Мисраъ:** Зи лутфаш ин далери аз ман ояд (Лутфи сабаб бу ботирлик менинг қўлимдан келмиш); Амир кўзини очди. Мени кўриб, дарров ўрнидан турди ва чордона қуриб ўтиргач, не гаплигини сўради. Фақир бўлиб ўтган воқеани батафсил айтиб бердим. Бу можарони менадан эшитгач, ўтга ташланган исириқ каби сачраб ўрнидан турди ва таҳорат олиб, ташқари чиқди. Яна қочоқлар кетидан одам юборди. Саййидлик паноҳи ва Ҳаққул эса бир кеча-кундузда жуда тез йўл юриб, анча масофани ортда қолдирган бўлишиб, агар амир Умархон аскарлари тез учар лочин бўлиб учганларида ҳам чанглари ортидан етолмасдилар. Амир юборган кишилар тез суръатлар билан йўл босиб ўтиб, тўхтамасдан қувлашда давом этардилар. Аммо, уч кеча-кундуздан сўнг отлари юришдан толиқди ва қарашса, мўлжаллаган овлари тузоқдан қутулиб қочган. Ноумид бўлиб, ноилож, лаблари чанқоқдан қуриганча ва қоринлари очликдан ноқора чалган кўйи амир хузурига қайтиб келдилар ва бўлган воқеа тафсилани айтиб бердилар. Амир Умархон саййидлик паноҳидан ноумид бўлиб, фикр денгизига ботди. Шу қадар ғам юки остида қолган эдики, ҳеч ким билан сўзлашмасди. Буни кўрган ул худуд халқи юрагини эса бу хожалар касофатидан худди Хитой лашқари бу ергача бостириб келиб, ҳаммасини асир қилиб олиб кетаётгандек туюлиб, кўрқинч ваҳимаси чўлғаб олган эди. **Байт:**

Агар бар дили подшоҳон ғаме,
Парешон кунад хотири оламе.

¹⁵⁷⁰ Зухро юлдузининг нурлилигига ишора.

¹⁵⁷¹ Ҳазрати Алининг иккинчи исми Ҳайдар бўлиб, унинг довьораклиги учун берилган лақаб. Каррор – довьорак, баҳодир.

[Подшоҳлар дилин босса ғам,
Сиқилар куйиниб бутун олам].

Хуллас, амир Умархон шу ташвишли дил билан Ёрмазор мавзесидан ов овлаганча Шаҳрихон шаҳрига бориб тушди. У ердан Андижон сари юзланди. Йўл асносида сипоҳигарлик соҳасида ўзини нодонликка йўйиб, юрак сиқилишини ҳайдаш учун шикорга машғуллик кўрсатди. Буни қарангки, ўша куниси ови шу қадар бароридан келдики, ўз замонида на Жамшид бундай ов қилган ва на Афросиёб бу каби шикорни кўрган эди. Аммо, амирнинг дили қулфи ҳеч бир сурат билан очилмасди. Ниҳоят, Андижон вилоятига етишди ва у ерда хос ҳарамини бошқа амирларнинг хотини билан қолдириб, Ўш вилояти сари юзланди. Бир манзилдан сўнг ул жаннатга менгзар вилоятга кириб борди. Ўш гўзалликда жуда бир ажойиб ва назокатда ғаройиб бир вилоятдир. Мовароуннаҳр шаҳарлари ичида обу-ҳавоси ундан яхшироқ бирор мамлакат йўқ. Амир Алишер Навоий ўзининг туркий бир таърихида ул вилоят таърифини хўб бир алпозда баён қилганлар. У ерда бир тоғ бўлиб, тепасида Шоҳ Мансур Пискатий курдирган бир оқ гунбаз бор. Шоҳ Мансур таърихи эса ушбудир, **таърих:**

Эй фохта, аз баҳри Худо баъди вафотам,
Як лаҳза ба сари манзили ман омада «ку» гуй.
Тарихи вафоти мани Мансури ҳазинро,
Аз «мазҳариллоҳ» бурун омада «ху» гуй¹⁵⁷².
[Эй какку, мен ўлгач, худо ҳаққида,
Бирпас қабрим устига келиб кукула.
Ҳазин Мансурнинг вафоти таърихин,
«Мазҳариллоҳдан ташқари чиқди» дегил].

Айтишларича, Шоҳ Мансурнинг кароматларидан бири шу бўлганки, у вафот этгач, ҳақиқатдан ҳам бир какку келиб, қабри устида ўсиб турган сарв дарахти шоҳига қўнганча туни билан ҳу-ҳулаб чиққан. Шу сабабли авом халқ мазкур гунбазга «тахти Сулаймон» деб ном қўйишган. Ҳар йили баҳор фаслида бу ерда сон-саноксиз одам тўпланadi. Менинг тахминимча бу ерда йиғилганлар сони Арафотда тўпланувчилар сонидан кам бўлмаса керак. Айтишларича, Осаф ибн Барҳиё¹⁵⁷³нинг қабри шу ерда эмиш.

Алқисса, амир Умархон уч кун беҳишт мисол бу мавзеда тургач, тўртинчи куни у ердан кўзғалиб, Андижон томон қайтди. Йўл асносида эшитишимча, ул мавзе тоғида «Чиҳил устун» номли бир тилсимот бор экан. Дунё ажойиботларидан бири саналар экан. Бошимга ул заминни кўрмоқ савдоси тушди. Дилим ҳаддан зиёд бунга рағбат кўрсатавергач, амирдан рухсат олиб, ул замин сари равона бўлдим. Ул жойга етиб бориб, жуда баланд бир тоғни кўрдим. Узоқ-узоқдан тоққа олиб чиқувчи икки нарвон ва бир ғор кўзга ташланди. Буларни мушоҳада этганимдан сўнг ул тилсимни кўрмоқ истаги вужудимда юз чандон ошди. Хуллас, отларни етиб борган еримизда қолдириб, йигирма нафар киши билан тепа сари юзландик. Анча қийинчиликдан сўнг биринчи тош нарвонга етдик. Қарасак, нарвон вақт ўтиши билан увадаланган экан. Шу ердан пастга қарасак отларимиз худди чумолидек бўлиб кўринди. Минг тавба ва истиғфор билан ул нарвондан неча меҳнату захмат билан ўтиб, иккинчи нарвонга етишдик. Қарасак, буниси биринчисидан баттар чириган бўлиб, қайтанга, биринчиси бу иккинчиси олдида худди кечагина ўйиб ясалгандек туюларди. Пастга боксак, одамлар гоҳ кўринар, гоҳ кўз илғамасди. Агар, худо кўрсатмасин, кимнингдир оёғи сирпаниб, пастга қуласа то бутунлигича ергача етиб бориши даргумон. Фақир бу пули сиротни бу даража нозик кўриб, ушбу қилмишимдан минг бор пушаймон бўлдим ва афсус-надомат оҳини чекдим. Аммо, энди бунинг фойдаси йўқ эди – на олдинга юришга йўл бор, на орқага қайтишга. Нетай, тақдирга тан беришдан ўзга чора йўқ. Не-не азоб-уқубатда чор-ночор ундан ҳам ўтиб, ғор оғзига яқинлашдик. Ичига кирсак, тузилиш тарҳи худди жомеъ масжидига ўхшайди ва қирқта устуни бор. Ҳаммаси тошдан жуда яхши бир тарзда йўнилган. Йигирматаси тепадан пастга қараб осилган, аммо, ерга етмайди. Яна йигирматаси тикка қараган, аммо, боши тепага тегмай турибди. Ғордан ўтиб, минг одим отгач, довонга етишдик. У ерда бир майдонликни кўрдик, майдон ўртасида жуда латиф сув тегирмони айланиб турибди. Тегирмон ёнида бир туя суратини оқ тошдан ўйиб ишлашган. Чўкка тушиб ётибди. Майдондан ҳам ўтиб, яна тор ва қоронғу йўлакка дуч келдик. Ёнимизда катта машъаллар бор эди, тахминан яна минг қадам олдинроқ юрдик. Жуда катта-катта кўршапалаклари бор экан, катталиги худди каптар ёки қўлда боқилган қушларча. Роса устимизга ёпирилиб, йўл юргани қўйишмади, келиб машъалларга урилиб, қанотлари билан ўчиришар эди. Шунда қалбимизда кўрқинч пайдо бўлиб,

¹⁵⁷² Тарих 1200/1785-06 йилни беради.

¹⁵⁷³ Сулаймон пайғамбарнинг вазири номи.

вахима боса бошлади. Бу тоғнинг не фойда ва ажойиботи бўлса ҳам барининг баҳридан воз кеча қолдик. **Байт:**

Роҳ зи андоза барун рафтаем,
Метавон бурд ки чун рафтаем.
[Керагидан ҳам ортик йўл юрибмиз,
Бошимиз оққанча кетаверибмиз].

Ўша ерданоқ қайтиб, қандай қилиб чиққан бўлсак, шу йўл билан минг тавба-тазарруда «лоахувла»ни қайта-қайта ўқиб, пастга тушдик. **Байт:**

Роҳи торик гашта шуд равшан,
Кори душвор монда осон гашт.
[Қоронғу тор йўл бўлди ёруғ,
Қийин кўринган иш осон бўлди].

Ўз кўшимизга сиҳат-саломат қайтиб келгач, иккинчи марта умр берган ҳазрат ийзади таолога шукрлар айтдик ва камбағалларга хайру садақа ва назрлар улашдик. Унақа жойларга чиқиш ҳақида қайтиб сира ҳам ўйламаймиз, дея қайта-қайта Насух тавбаси каби тавбалар қилдик. Қўрқинч ва хавф-хатарга тўла мазкур ердан отланиб, Андижон томон қайтдик. Бироз йўл босиб ўтгач, Андижон шаҳрига кириб бордик ва амир Умархон кўлини ўпиш шарафига муяссар бўлдик. Бўлган воқеани бир-бир амир ҳузурида баён қилиб бердим. Гапларимни эшитган амирнинг вужудини шундай бир кулги ҳисси қамраб олдики, ўзини тия олмай, хандон отганча хохолоб кулиб юборди ва «сенинг гапларингдан сўнг мана энди бир неча кунлик ташвишимиз сал-пал аригандек бўлди» деди.

Хулласи калом, амир эртаси куни ул вилоятдан чиқиб, Шаҳрихон мамлакатига кириб борди. У ернинг ҳокими амирнинг ғуломи Жиловдор *иноқ* хизмат расмини бажо келтириб, бекаму-кўст даражада меҳмоннавозлик қилди.

Алқисса, бир кечаси камина ўз хизматкорларим билан кўшда ўтирган эдим. Амир Умархон пиёда сайр қилганча келиб, синглисини, яъни онамни кўргани ташриф буюрди. Фақир бу ҳолни мушоҳада этгач, исирик донасидек ўрнимдан сакраб туриб, бу байтни ўқидим. **Байт:**

Лутф карди ва сафо оварди,
Соёйи давлат бар ин ганжи хароб андохти.
[Лутфу карам этдингу сафо келтирдинг,
Давлатинг соясин бу хароб ганж узра солдинг].

Амир Умархон синглиси ҳузурига кирди ва синглиси билан суҳбат қуришга тушди. Мен эсам улар хизматида турдим.

Амир Умархоннинг Саййид Ғози хожанинг қизига уйланиши зикри

Ўша пайтлари амир Умархоннинг жуда бир оқила ва покиза канизини бўлиб, Шаҳрихон ҳокимининг хотини эди. Ўша аёл ўрнидан туриб, қуйидаги гапларни Умархон арзига: – Амир ҳазратлари Саййид Ғози Ўратепагийни ўз ғаблабларига дучор қилиб, сургун тариқасида кўч-кўлони билан бирга бу вилоятга юборган эдилар. У ҳозир мана шу ўтирган уйимиз орқасида бир кулба қуриб, неча хорлик ва зорликда ҳаёт кечирмоқда. Аммо, исмат пардаси ортида Хонпошшо номли бир кизи бўлиб, офтоб кирдорли куёшдек юзини кўриш умидида айланувчи осмоннинг бутун вужуди кўзга айланган, нурга тўла рухсорини кўрган нур сочувчи куёш уялганидан юзига булут пардасини тортган, адл қоматли сарв дарахти унинг хушхиром қоматли бўй-бастини кўриб, рашкдан оёғини лойга тикқан ва бинафша шамшод зулфининг тим қоралиги мушоҳадасидан рашк этиб, уятдан қора кунларга қолган. **Байт:**

Аз ин маҳпораи обидфиребе,
Малойиксурате, товусзебе.
Ки баъд аз диданаш сурат набандад,
Вужуди порсоёнро шикебе.
[Обидни йўлдан урувчи бу моҳпорани,
Малойик суврат, товус чирой жононани,
Кўргандан сўнг тақводорлар вужудида,
Қолмас сабру тоқатдан бир нишонаси].

Савоб йўли шуким, унга ўзингизнинг суҳбат хилватгоҳингиздан жой бериб, ўзингизни бундай беҳуда ғамлардан қутқаринг, – қабилдаги сўзларни етказди. Амир Умархон бу сўзларни эшитгач, булбулдек ул раънолиқ гулистони ҳавосида шавқ қанотини ёзди ва юзидан уят ниқобини тортиб

ташлаб, ғойибона тарзда ул пари чехранинг ишқ ўқиға ўзини тутди, адлик ва тўғрилиқ марказидан чиқиб, ул пари пайкарни қўлга киритмоқ чорасини *махрамлик* даражасидаги яқинларидан излади ва дарҳол вужуд гавдаси яралиш корхонасида тузоқ ранги билан қориб ясалган, тузилиши муғомбирлик маъжунни ва айёрлик хамиртуруши билан тартиб топган иккита кампирни ўша ярим тунда қизнинг отаси олдиға совчиликка жўнатди. Ул икки маккора амир ҳузуридан топшириқни бажариш учун рухсат олгач, тўппа-тўғри ул бечоралар уйи сари равона бўлишди. Бу жонни куйдирувчи хабардан оила бошлиғи хожа ва унга тобеълар воқиф бўлгач, барчаси йиғлашға тушиб, оҳу нола чека бошладилар. Маккора кампирлар эса жавоб талаб қилишар эди. Хожа (**мисраъ**): – Аз ин омад-шудан мақсудишон чист (Бу келиб-кетишдан мақсадлари недур?) Агар қизимиз борасида бўлса, бу мастурани қариндошларимиздан бириға фотиҳа қилганмиз ва яқин орада ўша унашилгани билан тўй қиламиз, – деди. Кампирлар биродарим саййид Ғози хожадан бу жавобни эшитгач, дарҳол амир ҳузуриға келиб, бўлиб ўтган воқеани оқизмай-томизмай арз қилдилар. Амир бу икки кампирнинг ишни уддалай олмаганини билиб, парвонадек изтиробға тушди ва тағин ул икки кампирни Баҳодирхожа *дастурхончи* билан қизнинг уйиға жўнатди. Совчилар ул ғурбатдаги хожа олдиға бориб, сўзни қаттиқроқ еридан ушлашди: – Ахир эшитмаганмисиз улуғлар нима дейишган, **байт**:

Ҳар ки бо фўлод дастон панжа кард,
Соиди симини худро ранжа кард.
[Ким пўлат қўллилар билан олишса,
Ўзининг кумуш совутиға озор берур].

Бу гаплардан сўнг саййид Ғозихожа нолаву зор ила: – Мен бир ватанидан саргардон чиқиб, бегона ерларда ғурбатда кун кечираётган одам бўлсам. Амирнинг бу иши адолат юзасидан ҳам, диндиёнат жиҳатдан ҳам ақлга тўғри келмайди. Агар зўрлик билан олмоқчи бўлсалар, тағин ўзлари билладилар, – деган сўзларни айтганча, яна йиғи-сиғиға тушди. Боровчилар яна ўша эски жавоб гапларини эшитгач, тағин амир ҳузуриға қуруқ қайтиб келдилар ва воқеани батафсил баён қилдилар. **Байт**:

Ҳар ду олам қимати худ гуфта буд,
Нарх боло кун ки арзони ҳануз.
[Ҳар икки олам ўз нархини айтди,
Нархинг ошир, арзонлик эрур].

Амир улардан бу сўзни эшитгач, бирпасда жаҳлга миниб, *дастурхончи* билан менга қараганча ўта ғазабли оҳангда буюрди: – Ул мастурани ҳеч бир тўхтовсиз суратда ҳузуримға олиб келинглар!

Фақир ва *дастурхончи* амир ҳузуридан мазкур топшириқ билан чиқиб, бошимизни эгганча ул икки маккора кампирни ҳам ёнимизға солдик ва саййид Ғози хожанинг уйиғача етиб бордик. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб, сахарға яқинлашиб қолганди. Менинг ул бечора хожа олдиға боришға юзим сира ҳам чидамасди. Шу сабабли ўзимни четға тортдим. **Мисраъ**: Зи ин миён гар битвон канораш гирам (Бу ўртада иложи бўлса ўзимни четға олсам); Алқисса, *дастурхончи* иккита кампир билан хожа олдиға кириб, таҳдид аралаш кўрқинчли сўзлар айтишға тушдилар. Саййид Ғозихожа бошини қуйи солиб, дами ичига тушганча жим ўтирар ва пешонасидан дамба-дам хижолат тери қуйилиб келаётганди. Ниҳоят, ўт билан ўйнашиб бўлмаслигини англаб, чор-ночор розилик бошини қимирлатди. Дарҳол ул исмат пардаси ортида ўтирган қизни сахар чоғи фақирнинг қўшиға келтириб, онамға топширдик. Нафсиламрини айтганда, ҳақиқатдан ҳам қиз ҳусну жамолда тенгсиз, назокату латофат бобида мислсиз эди. Кумуш юзи олдида офтобнинг олтин чехраси сариқ чақаға ҳам арзимас, мингта Зулайхо ва Ширин унинг хирмани бошоғини терувчилардан бири каби эди. Гулшакар тотли оғзини кўриб, қайтадан ўсиш учун чаман сари қочар, хуллас, гўзаллиги овозаси чиндан ҳам олам атрофи бўйлаб ёйилган, жамоли васфи барча халойиқ тилиға тушган эди. **Байт**:

Буте к-зи дидани он шаклу рафтор,
Бибандад зоҳиди сад сола зуннор.
[Бу шаклу рафтордаги санамни кўриб,
Юз яшарлик зоҳид тақар зуннор].

Шу маънода яна бир **қитъа**:

Кай чу рўйи дилфиребат сурати Мони кашад,
В-ар кашад донам ба ҳар сурат пушаймони кашад.
[Моний қачон алдовчи юзинг каби бир сурат чизмиш,
Чекса ҳам биламан, ҳар қалай, ўз ишидан афсус чекар].

Амир Умархон ўз давлатхонасиға ташриф буюрди ва фақирнинг волидаси ул мастура бокирани ўзига қиз тутиниб, эртаси куни ҳур юзли нозанинлар келинға оро бериб, қиммат баҳо либосларни сарв қоматиға бўйлай кетдилар. Юқорида ҳикоя қилганимиз каби бу бечора хожа хонадонида ҳеч

вақо қолмай, бариси Ўратепа воқеасида амир одамлари томонидан таланган эди. Ўша куниси ул гул бадан қизнинг эғнида жуда бир эски кўйлаги бўлиб, қайси канизга табаррук йўсини билан бермоқчи бўлсак, ижирғаниб, ўзини олиб қочарди. **Байт:**

Либоси кўҳна қадри дардмандон кам намесозад,
Агар жавҳаршиноси, теғро урён тамошо кун.
[Эски либос дардмандлар қадрини ерга урмайди,
Агар гавҳаршунос бўлсанг, қилични ёлонғоч кўр].

Алқисса, ул пари юзликни ҳар хил тақинчоқ ва зийнату безаклар билан безантириб, куни билан сочларини ювиб-тараш билан машғул бўлдилар. Шунда ушбуни айтган шайхзоданинг сўзлари ёлғон экани билинди, **байт:**

Касби камолоти мо мадади ғайр нест,
Ғоза чи ҳожат бувад ҳусни худододро.
[Касбу камолотимиз биров ёрдами билан эмас,
Худо берган ҳуснга ғозанинг нима кераги бор].

Маснавий: Моҳро мушк ронда бар тақвим,
Ғамзаро карда жодуий таълим.
Чашмро сурмаи фиреб кашид,
Моҳро бар сари аътеб кашид.
Чехраро зеби арғувони дод,
Лоларо зеби хусравони дод.
Тожи наргис ниҳода бар сари дўш,
Тавқи ғабғаб кашида то буни гўш.
Дар баросуд сарви симинро,
Баст бар моҳ акди парвинро.
[Ойни мушк қувмиш тақвим ичига,
Ғамзани жоду таълими қилган.
Кўзга алдов срмасини сурган,
Ойни пешонаси устига қўйган.
Юзига арғувоний тус берган,
Лолага шоҳона зеб берган.
Елкага наргисдан тож қўйган,
Сақоғи занжирин қулоғига тортган,
Кумуш танни қўйнида ўстирган,
Ойга парвин туркумини боғлаган].

Алқисса, ул пари чехрани неча бир безаку-зийнат ва жило билан амир Умархон қасрига олиб бордик. Давлат саройида шундай жамшидий бир тўй барпо этиб, ўйин-кулгу ва шодлик асбобини муҳайё қилишдики, иқбол ноқораси овози осмоннинг зумрад гумбазини тутди ва хурсандчилик овозаси олам аҳли қулоғига етди. Қувонч бодаси шодлик қадаҳида кўпирди ва муғанний нағмаси танбур навосининг завқ бахш этувчи торида жаранглаб, шавқ қулоқлари сари энди. Йиғиннинг ҳар гўшасига чаман-чаман гул, даста-даста райхон сочдилар ва тўйдагилар димоғини муаттар этиш мақсадида анбар атрини мушк ила аралаштириб сепдилар. Кумуш юзли соқийлар қувонч базмининг лаъл шаробини товлантирдилар.

Ва Хонподшоҳни минг бир зевару зийнат билан келинлик ўриндиғига ўтқазиб қўйдилар. Равнақ топган олам кунининг йиғини келини бўлмиш қуёш мағриб чимилдиғи сари кетгач эса амир Умархон икки ҳафталик ой каби нур либосига бурканиб, Фаридун бахти ва Кайқубод шавкати билан хусравлик тахтига чиқди ва ёрқин мустафавий шарият ҳукми, пок аҳмадий дини суннати бўйича никоҳ ўқилиб, ой ва қуёшни бир-бирига юзма-юз қилдилар. Ер юзининг базм аҳли оғзидан чиққан табрик товушлари осмон мажлисини безовчилар қулоғига етишди. Сон-саноксиз сочилган гуллар ва сепилган атрлар туфайли қаср саҳни Хўтан даштининг рашк этадиган жойига айланди. Тўй ишлари ниҳоясига етиб, ўтиришни яхши кўрувчи базм аҳли чаман қушлари каби ҳар тарафга учиб кетиб, иқбол гулшанини булбул ва гул мақсади учун холи қолдирдилар. Қадаҳ мастлар сингари бошини соғар қулоғига қўйиб, дил сирини шивирлади. Юраги сирга тўла шам кўз ёшларини тўкавериб, ишрат базми оловини сўндирди. Аммо, камина, ҳам айни ёшлик даврим бўлгани учун ва ҳам бир томони шўхлик қилиб, ҳеч ёққа кўзгалмадим ва беадаблик йўлига кириб, чимилдикнинг бир чеккасида бекинганча, ул ой ва қуёшнинг яқинлашувини тўйиб томоша қилдим. **Мисраъ:** Рўзи нек аз даст додан нест кори ошиқон (Яхши кунни қўлдан бой бермоқ ошиқлар иши эмас]. Чунки, амирнинг мен

ҳаққимда қилган меҳрибонликларидан бири шу эдиким, ҳарамдаги ҳеч бир аёлу канизак мендан қочмас ва юзларини бекитмас эдилар, бу амир Умархон тоғамнинг *махрам* жияни ҳақидаги буйруғи эди. Шунга кўра мен томонимдан бундай журъат содир бўлаётган эди-да. Хуллас, ўша чоғда амир Умархоннинг димоғида жуфтлашиш шароби кўпирди, ул дилрабо юзида эса ҳаё тери шабнам донасидек намоён бўлди. Нозу ниёз лаҳзалари қизиди – харидор иштиёқи кучайиб, мол эгасининг мулойимлиги ортди. Чунки, орзу қишининг булути мақсадини ҳосил қилиш учун мурод пардаси ортида шай турарди. Гулғунча шамолнинг уятсизлиги натижасида қабоча бандини ечишга мажбур бўлди ва ўзини гулгунлик оғушига солди. Омонлик суманининг ғунчаси мақсади ҳосиллик насими хилпираши сабабидан оғзини очди ва мақсуд бўстонида кумушранг садафга симоб гавҳар томчилади, чунончи демишлар, **маснавий**:

Як чанд дар он карашмасози,
Карданд ду ғунча бўсабози.
Гаштанд ба жилваҳои густох,
Печида ду нахл шох дар шох.
Афтода ба ҳижлаи нигорин,
Андар шафақ аз шаҳобу парвин.
[Қилиб бир қанча карашма созлик,
Қилишди икки ғунча бўса бозлик.
Қилишди густохона жилвалар,
Чирмашди икки ниҳол шохма-шох.
Безанган ҳижлага тушиб шафақда,
Шаҳоб юлдузи ва парвин].

Айни ўша пайт каминининг кулгиси қистаб қолса бўладими? Бу ичдан келаётган кулгининг шиддатидан мазкур ҳолни кузатишда давом этишининг ҳеч бир иложи бўлмай қолди. Ноилож, қочиш йўлини тутдим ва қасрдан ташқари чиқдим. **Мисраъ**: Он беҳ ки ҳазар намоям аз мажлиси шох (Шох мажлисидан ўзимни олиб қочганим яхшироқ].

Алқисса, амир анча ранждан сўнг роҳат ганжини қўлга киритди. Не-не меҳнатдан кейин дилдаги мақсадига етди. Хитой ва Хўтан балоларининг ғами кўнглидан бутунлай ариб, бу байт амир тилидан жорий бўлди, **байт**:

Гавҳари поки ту аз мидҳати мо мустағнист,
Дасти машшотачи бо ҳусни худодод кунад.
[Пок гавҳаринг бизнинг зотимиздан аълороқ,
Машшота қўли худо берган ҳуснга нима ҳам берарди].

Офтобнинг олтин қанотли султони туннинг анбар ниқобли келини оғушидан кўзғалиб, бошини тонг ёқасидан чиқаргач, амир Умархон хуршид янглиғ исматнинг мушк таровати қўйнидан ва иффат ҳарамидан чиқиб, шаҳриёрлар қонунига кўра, халққа кўриниш бериш ўриндигига ўтирди ва Хусрав каби дирҳам ва динор ёмғирини халойиқ боши узра ёғдириб, йиғин аҳлига турли-туман совғалар улашди ва подшоҳона кийимлар бахшида этиб, чаман базмини безовчилар каби хурраму шодон қилди. Саййид Ғозихожани эса ёнига чорлаб, хос либос ва кумуш эгар-жабдуқли от билан бошини бошқалардан ҳам юқори кўтарди. Шодлик ва хурсандчиликлар адосига етиб, тўй ишлари тугагач, амир Умархон мамлакати саройи Хўқандга қайтишга чоғланди ва Шаҳрихондан кўчиб, Марғинон вилоятига бориб тушди. Неча бир шон-шавкат билан Қурбон ҳайити намозини ул мамлакатда ўтказиб, у ердан ҳам кўзгалганча Хўқанд сари юзланди. Бир манзилдан сўнг ўз давлатхонасига кириб борди ва давлат ишлари билан машғул бўлди.

Саййидлик паноҳи Жаҳонгирхожа ва Ҳаққулибийнинг Кошғар вилояти томон қочгани ва мазкур йилда муддаога ета олмай қайтиб келганлари зикри

Алқисса, Жаҳонгирхожа ва Ҳаққулибий қирқ киши билан қочиш йўлини ихтиёр этгач, жуда тез суръатларда йўл юриб, уч кундан сўнг амир Умархон юборган одамлар таъқибидан кутулиб, амирга қарашли худуддан узоқлашдилар. Уч кун мобайнида бошқа худуд заминиде йўл ҳордиқларини ёздилар. Улар дам олаётган мавзеда қирғиз жамоасидан беш юзга яқин киши йиғилиб, биргаликда Кошғар сари юзландилар. Бир неча масофа йўлни босиб ўтиб Кошғар вилоятига етдилар. Хитой жамоати Жаҳонгирхожа келганидан хабар топиб, уруш ва жанг иши учун тайёр турдилар. Жаҳонгирхожа Гулбоғ яқинига бориб, жанггоҳ томон юрди ва куфр аҳли ҳам уруш сари юриб, бор-йўғи икки тўпни мусулмонлар тарафга отиб бўшатгач, қирғиз халқи ўз-ўзидан бузилиб, қочиш тариқини ихтиёр этишди. Саййидлик паноҳи ва Ҳаққули ишни бу аҳволда кўриб, йўналиш жоловини

Хўқанд сари бурганча орқага қарамай қочиб қолдилар. Ўша вақтда Кошғар халқининг мусулмон аҳли Жаҳонгирхожанинг келгани борасидаги гапларга ҳеч ишонмас ва «бу қирғизлар кўптирган бало бўлса керак» дер эдилар. Кейин, билсалар, ҳақиқатдан ҳам жаноб саййидлик паноҳи келган бўлиб, мусулмонларни қутқариш ва кофирлар билан ғазовот қилиш мақсадида ташриф буюрган экан. Бу гаплар аниқ маълум бўлгач, мусулмонлар афсуслик кўлларини «эх аттанг» дея бир-бирига уриб, пушаймонлик ва надоматлар қилишибди. Аммо, табиийки, фойдаси бўлмабди. Ушбу байт сўзларига ўхшаш юпанч гаплар билан ўзларига тасалли берибдилар. **Байт:**

Юсуфи гум гашта боз ояд ба Канъон, ғам махўр,
Кулбаи эҳзон шавад рўзе гулистон, ғам махўр.
[Йўқолган Юсуф яна келур Канъонга, ғам ема,
Ҳазин кулба бўлур бир кун гулистон, ғам ема].

Алқисса, Жаҳонгирхожа ва Ҳаққулибий неча масофа йўл босиб, не бир меҳнату машаққатда, қоринлар очикқан ва танглайлар қақраган ҳолатда Андижон вилоятига кириб келдилар. Бу хабар бутун Мовароуннаҳр мамлакатлари бўйлаб ёйилди. Барча мусулмонлар хурсанд бўлиб, Хитой лашкари хавфини бошларидан чиқариб ташлашди. Амир Умархон саййидлик паноҳининг қайтиб келганидан хабар топиб, жуда шод бўлди. Ул томонларнинг балоси ташвишидан кўнгли тинчиб, бемалол ўтирди. **Назм:**

Соқи биёр бода, барафроз жоми мо,
Мутриб бигў ки кори жаҳон шуд ба коми мо.
Мо дар пиёла акси рухи ёр дидаем,
Эй беҳабар зи лаззати шурби мудоми мо.
[Соқий бода келтир, куй олтин жомимизга,
Мутриб куйла, чун жаҳон кирди комимизга.
Биз пиёлада ёр юзи аксин кўрганмиз,
Сен беҳабарсан, бизнинг май лаззатидан)

Хуллас, амир Умархон лола юзли соқийлар билан май ичишга машғул бўлди ва ўша айёмда мулло Душанбий ва Муҳаммадшариф *мерган*¹⁵⁷⁴га саййидлик паноҳи Жаҳонгирхожани тўла иззат-икром билан ҳузурига келтиришни буюрди. Ҳаққулибийга нисбатан эса ғазабини билдириб, Ёрмазор вилоятида қолишини фармон берди. Бу иккови амир ҳузуридан топшириқни бажариш учун рухсат олгач, ул томонга юзланишди ва буйруққа тўла амал қилишди.

Ўша айёмда орадан беш-олти кун ўтгач, амир Умархон шикор учун Ёр масжид мавзесига чиқди. Бу мавзе Хўқанднинг бир фарсахлик ғарбий томонида жойлашган бўлиб, жуда бир яхши ва латофатли маскан эди. Тахминан тўрт минг танобига тўқайзор, кўл, шоли ери тушган ва унинг чети Хўқанд подшоҳларининг шикоргоҳи эди. Жуда баланд бир қаср қурган бўлишиб, хоналари нақш билан безатилганди. Бир томонида ниҳоятда яхши бир чорбоғ яратилган ва унда ранг-баранг гуллар очилган, ҳар хил сон-саноксиз дарахтлар бўй чўзган, боғнинг ҳар бурчагида сув тўла ариқлар шилдираб оқиб турарди. Бу шикоргоҳда ов қилиш учун ғоз, ўрдак каби ҳар хил паррандалар жуда кўп топиларди. Унга уланган бир тўқайзор бор бўлиб, уни халқ «девона чорбоғи» деб аташарди. У ерда дашт қуши сон-саноксиз эди. Шикоргоҳ Хўқанд подшоҳлари ихтиёрида экани учун қаттиқ кўриқланар ва бошқа бирор одам зотининг у ерга кириб, ов қилишга ҳаққи йўқ эди. Амир Умархон ҳам гоҳида муҳтарам *маҳрам*лари ва ой баданли канизлари билан ул масканга кўчиб бориб, шикор қиларди ва айшу-ишратга машғул бўларди. Бу гал ўша ерга борганида эса хос *маҳрам*ларидан бирини юбориб, мени ҳам ёнига чорлатди. Фақир дарров отга миниб, амир ҳузурига кетаётган эдим, иттифоқан, ўша орада биродарим Жаҳонгирхожа ёнида мулло Душан билан келиб қолдилар. Эшоннинг кўзлари менга тушгач, отини ниқталаганча менинг олдимга келди. Бир-биримизни бағримизга босиб, ҳол-аҳвол сўраша кетдик. Қарасам, саййидлик паноҳининг ҳоллари жуда ўзгача ва амир Умархондан ниҳоятда хавфлари бор. Буни сезиб, кўнгилларини кўтардим. Биродарим саййидлик паноҳи менга юзланиб: – Эй биродарим, биз гунаҳқормиз. Билмаймиз, қайси юз билан амир ҳузурига бориб, дуогўйлигини қиларканмиз. Сиздан ажралгим йўқ, чунки, танҳо ўзим бора олмайман, – дедилар. Фақир ноилож саййидлик паноҳи билан бирга Ёр масжид сари йўлга тушдим. Ул олий қасрга етгач, саййидни ташқарида қолдириб, амир ҳузурига кирдим ва бўлган воқеани гапириб бердим. Амир жуда хурсанд бўлди ва саййидлик паноҳини олдига чорлаб, эъзозлик билан муқаррам тутди. Дарҳол эгнидаги либосини ечиб, саййидлик паноҳига кийгизди. Оталарча ғамхўрлик сўзларини айтди. Ўша чоғда амир Умархон олдида ғоз кабоби турган бўлиб, амир бу кабобдан бир

¹⁵⁷⁴ Мерган – ўқчи.

бурдасини олиб, ўз қўли билан Жаҳонгирхожанинг оғзига тутди. Сўнг туркий тилда деди: – Ҳазрат эшоним, хўб чайнинг, тузи борму. **Мисраъ:** Як зарра намак зи олами хуби беҳ (Бир зарра туз бир олам ширинликдан яхшидур); Ва саййидлик паноҳи бу лутфнинг таъзимини бажо келтириб, **Мисраъ:** Агар гуноҳ бубахшанд, сармшори ҳаст (Гуноҳни кечирсалар-да, барибир, уяти биз томонда қолур), – дедилар. Амир Умархон буни эшитиб, қотиб-қотиб кулди. Сўнг амир менга юзланиб: – Саййидларга танбеҳ бермоқ мезони шу қадар бўлур, ундан ортиқ бўлмас, – деди. Шундан сўнг саййидлик паноҳига кетиш учун рухсат берди. Жаҳонгирхожа хурсандлик ила очилиб-сочилганча амир хузуридан чиқиб, ўз маскани сари ошиқди. Бир неча вақтдан сўнг жаноб қиблагоҳим яна бир марта Ҳаққулининг гуноҳини амир Умархондан тилади. Амир «ул тузим кўр қилгурни кўришни ҳам истамайман, аммо, айбини кечириш-кечирмасликни Сизга қўйиб бераман, ўзини ҳам Сизга бахшида қилдим, – деди. Жаноб қиблагоҳим Ҳаққулини Ёр мазордан олиб келиб, ўз ёнида сақлади.

Амир Умархоннинг қадрдон фарзанди Абдуллоҳхон учун Тошканд вилоятида тўй қилиб бергани ва Тошканд мамлакатларини шу ўғлига топширгани зикри

1236/1820-21йили амир Умархон кўзининг нури Абдуллоҳхонни Тошканд вилоятига олиб бориб, подшоҳона тўй ва хусравона байрам қилиб, ул мамлакатлар ҳукуматини шу дилбанд фарзандига топширишни истади. Офтоб жаддий буржиги кириб, ҳаво қаттиқ совиган паллада амир Умархон Фарғона мамлакатининг барча улуғларини йиғиб, Хўқанд амирлари ва ўзининг барча ҳарам аҳли ва анбарсочли канизлари ҳамда амирларининг кўплаб аҳлу аёли билан бирга неча дабдаба-ю, подшоҳона шавкат ила Тошканд томон юзланди. Сайхун дарёси қирғоғига етишгач, ўзи ҳарамлари билан дарёдан ўтиб, Қамич кўрғон мавзесида қўш ташлади ва амирлар, лашкар аҳли эса амирдан сўнг дарёдан кечиб ўтиб, амирга қўшилдилар. Ўша куниси камина гўстохлик юзасидан вақтни ғанимат билиб, амирдан яширинча шикоргоҳ саналмиш Ёр масжид мавзесига бордим ва бароридан келиб, шу даража кўп ов қилдимки, умримда бунақа шикор қилмаган эдим. Ўша паллада амир мени сўраттириб қолибди, ҳар ким ҳар хил жавоб берибди. Амир фаросат илмига суяниб, менинг ов учун мазкур жойга кетганимни пайқабди. Шунда мендан қаттиқ ранжиди. **Мисраъ:** Қурби султон оташи сўзон бувад (Султон яқини куйдирувчи ўтнинг ўзидир]. Фақир жуда тез суръатда амир орқасидан юриб, дарёдан ўтганча улар ўтирган мазкур мавзеда ўзимни нодонликка солдим ва амир назарига кўриниш бердим. Ҳеч нарса демади. Аммо, бир неча бор ғазабли ҳазиллар қилди. **Мисраъ:** Нохуни дахле ба жо аз сина хорам мекашад¹⁵⁷⁵ (Билиб айтилган ҳазил юракни илма-тешик қилади]. Эртаси куни Қамич кўрғондан отланиб, довоннинг бизга таниш йўлини ташлаб, одатланмаган йўл сари юзландик. Бу нотаниш йўлни «Ўн икки бўйноқ» деб аташарди, унда макон тутган шер, айиқ ва бошқа ёввойи ҳайвонлардан бошқа ҳеч кимса шу яқин бир неча йил ичида бу йўл орқали юрмаган бўлиб, амир шу томонга юзланди. Йўл юрилиб, Бодом чашма деб аталадиган мавзеда отдан тушдик. Эртаси куни амир минг кишини бир манзил олдинроқ юришга буюрди. Шундан сўнг, мухтарам ҳарамларнинг ой андомли канизлар билан улар кетидан боришини тайинлади. Сафарга чиққан ва ўзлари миниб келаётган аравалари билан йўлга тушган паризодлар чор-ночор бу тоғлик ердан ўтиш учун энди отларга миниб олдилар. Ваҳолонки, Хўқанд паривашлари ўз умрларида отга миниб кўрмаган эдилар. Ўша чоғда амир отхонасидаги уч юзта елдек учар от улар ихтиёрига топширилди. Бу отларнинг кўпи амирнинг хос отларидан эди. Паривашлар неча қийинчилик билан отларга мингач, не бир азобларда тоғ йўли томон юзландилар. Амирнинг ўзи эса амирлар ва лашкар аҳли билан бизнинг орқамизча йўлга тушиб, ҳарамдан бир фарсах масофа орқада келарди. Ўшанда хотин-халаж орасида улар ҳолига қарайдиган мен билан Муҳаммадалихондан бўлак ҳеч бир кимса йўқ эди. Совуқнинг шиддатидан отлар ўйноқлаганча устидаги аёлларни ерга қулатар эдилар. Шу сабабли бир нечтасинининг қўли синди ва айримларининг бошлари ёрилди. От минишга уста бўлган анави маккора кампирлар кабиларни эса Муҳаммадалихон билан бирга нодонлик ва шўхлик қилиб, маст отларининг думи тагига тикан тиқиб, бизлар йиқитдик. Чунки, тикан тиқиб қўйишимиз захотиёқ семиз отлар шатта отишга тушиб, устидаги чакқон чавандоз аёлларни ҳам шундай зарб билан ер тубан қулатишардики, баъзиларининг боши ёрилар, айримлари хушидан кетиб қолишарди. Ана шундай аянчли аҳволда йўл юриб борардик. Йўл юришимиз жуда қийин ва машаққатли бўлди. Гоҳида эса чўл ўртасида қамишзор ва тўқайзор оралаб юрсак, баъзида баланд тоғ чўққилари устидан ошиб, яна тор сўқмоқли йўллар билан пастга тушганча тўппа-тўғри тўқайлар ичидан чиқиб қолардик. Ўша куниси тонгдан аср намозигача шу уқубат билан йўл юриб, Писталик мавзесига кириб келдик. Бу ер тоғлик билан қамишзор орасидаги бир мавзе бўлиб, тоғи қурмагур Сурайё юлдузи томон бўй чўзган эди. Тунда

¹⁵⁷⁵ Асл таржима куйидагича: Биров кир тирноғи билан қалбимдаги тиконни оламан деб уни тилка-пора қилади.

ўша ерда ухлаб қолдик. Йўлда роса қийналиб келган аёллар мендан шикоят қилишиб «Ҳақимхон аҳволимиздан хабар олмади, бизларга қарамади» дейишди нозланиб. Ахир демишлар, **байт:**

Ба даврони амир ал-муслимин охир чи зулм аст ин,
Майи ноби машаққат мо хўрем, дигар кунад масти.
[Амир ал-муслимин давронида ахир бу не зулм,
Машаққат майин ичган биз, аммо, маст бўлган бошқа].

Амир каминадан рухсатсиз овга кетганим каби ишлар учун аразлаб юргани сабабли мен ҳам топширилган ишга бепарволик ила қараганимча аёлларга тузукрок хизмат кўрсатишни хоҳламадим. Аксинча, амир буйруғини менсимай, юқорида айтганим шўхликларни ўйлаб топдим. Амир аёллар шикоятидан сўнг гап нимадалигини англаб, олдига чақирди ва эғнидаги олмахон терисидан тикилган пўстинини ечиб, устимга ташлади, хос отини ҳам менга инъом қилди. Гуноҳимдан ўтганча «аёлларга хизмат қил» дея буйруқ берди. Фақир амир топшириғини бажону-дил қабул қилиб, хўқандлик ул оху кўзлар хизматига мутасадди бўлдим. **Байт:**

Фалак кай метавонад сохтан моро жудо аз ту,
Ту матлуби ва ман толиб, ту аз мойи ва мо аз ту.
[Фалак бизни ҳеч қачон сендан ажрата олмайди,
Сен мен истаган одам, мен толибинг, сен бизники, биз сеники].

Эртаси куни у ердан кўзғалиб, йўл сари юзландик. Қарасак, олдимизда қийинчиликка тўла ва босиб ўтган йўлимиздан яна неча баробар машаққатлироқ йўл турибди. Аммо, на чора, йўл юришда давом этишга мажбур эдик. Устига-устак шу айёмда ҳаво қаттиқ совуқ бўлиб, ичдан чиққан нафасимиз буғланиб, оғизларда музлаб қоларди. Ўшанда амир кўзининг нури Султон Маҳмудхон уч яшар болакай эди. Қаҳратон совуқ шиддатидан безовталана бошлади. Ноилож ҳаё гўшангасининг амир Умархоннинг синглиси бўлмиш онам, Муҳаммадалихоннинг онаси бўлмиш амирнинг муҳтарама завжаси Моҳлар ойим каби улуғлар ҳамда яна бир нечалар отдан тушиб, Султон Маҳмудхонни иситиш учун олов ёқдилар ва исинишга тушдилар. Мен ва Муҳаммадалихон буларнинг ишидан беҳабар ёнимиздаги бир неча суман тароватли парилар билан бирга кетишда давом этаверибмиз. Бироз юргач, аксига олиб, осмонни қора булутлар қуюни ҳам қоплаб, оламни қоронғулик босди. Бу зим-зиёликда ўзинг минган отнинг ёлидан бошқа нарсани кўриб бўлмасди. Бирдан қор ҳам ёғишга тушиб, шамол увиллай бошлади. Ҳар ким ўзи билан бўлиб, ширин жондан умидини узганча пана ахтариб ҳар ким ўзини бир тешикка ура бошлади. **Байт:**

Раҳе торик, бими марг, сармое чунин сахти,
Кужо парвои мо доранд майхўрони мажлисҳо.
[Зим-зиё йўл, ўлим хавфи, бу каби қаттиқ совуқ,
Мажлис майхўрлари қайдан ҳам бизни ўйлашсин].

Алқисса, ул ваҳимага кон чангалзорда мен ва Муҳаммадалихон ва саййид Ғозихожанинг қизи, яъни амирнинг муҳтарам ҳарами Ой(Хон)пошшоҳон учаламиз бир жойга тушиб қолдик. Шунда табиатнинг бу даҳшатли хуружидан Муҳаммадалихон вужудига чунонам бир кўрқув ва ваҳима тушиб, тол каби титраганча менга юзланди ва «мен одамлардан бир хабар олайчи» деган баҳона билан орқага қайтиш таблини чалиб, қочиш йўлини ихтиёр этди. Мен ва ул бечора келинчак иккаламиз от устида тоғ ва чангалзор орасидаги бу гўшада ёлғиз қолдик. Бу ваҳимали жой кўзимга ёмон кўриниб, мен ҳам орқага қайтишга қарор қилдим. Аммо, ул пари пайкар йиғлашга тушиб, каминани бир қадам орқага қайтишга йўл бермади. **Қитъа:**

Муаллимаш ҳам шўхи ва дилбари омўхт,
Жафову нозу итобу ситамгари омухт.
Ман одаме ба чунин қаду шаклу хўю равиш,
Надидаам магар он шева аз пари омухт.
[Устози ўргатди шўхлик, дилбарликни,
Жафо, нозу итоб, ситамни ўргатди.
Мен бу каби қомат, юз ва қилиқли одамни,
Кўрмагандим, бу усулни у паридан ўрганганми?)

Иттифоқо, ўша аснода совуққа дош беролмаган остидаги от шаталок отиб, ўйнашга тушиб кетди. Бу амирнинг «Йўрға тўриқ» исмли хос оти бўлиб, учқур оёқли ва кумуш туёқли, эгар-жабдуғи ясоқли бу отнинг жиловини бўш қўйсалар, жаҳон кезарди сабодан ўзиб ва оламни айланувчи шамол унинг туёғи чангига етаолмасди. Хуллас, дунёда унга ўхшаши йўқ эди. Алқисса, қарасам, иш бой бериладиган. Ноилож, отимдан тушдим ва паривашнинг гижинглаб турган оти жиловини маҳкам ушлаб, ул маликани ҳам неча азобда отдан туширдим. Ҳар иккала отни ҳам шамширим дастасига

оёғидан қаттиқ бойладим. Мен ва ул пари пайкар иккаламиз икки тош тахтаси оралиғига кириб, ширин жонимиздан аллақачон қўл ювганча ўлимимизни кутиб ўтирдик. Ҳар дамда қулоғимизга ажал хабари музлик зимистони томондан ва ваҳимали товушлар тоғу чангалзор томондан етишарди. Шунингдек, айна маҳалда қулоғимизга турли хил ҳайвонларнинг товушлари ва шерларнинг кўрқинчли ўкирик овозлари ҳам чалинди. Шу даража кўрққан эдикки, яна бир бор бу ҳаётдан ва яшашдан умидимизни уздик. Иттифоқан, биз турган ердан бир гала тўнғизлар ўтиб қолишди. Улар отларимизни кўргач, хуркканидан шундай чийиллаб югуришдики, биз йўлдан адашганлар эса бу тўнғизлар оёғи остида човгон тўпидек думалаб, ўлишимиз ҳеч гап эмасди. Бу ҳолни мушоҳада этгач, ўлганининг устига тепган дегандек, бу бало қаердан кўпдийкин, дея «ло ҳавло» оятини ўқишга тушдик. Ишқилиб, оқибати яхшилик билан тугаб, соғ-омон қолдик.. Ахир демишлар. **Мисраъ:** Расида буд балое, вале ба хайр гузашт (Етишган эди бир бало, лекин оқибати хайрли кечди]. Айна шу пайтда очликдан ошқозонимиз ҳам гумбирлаб қайнаб, иштаҳалар шу қадар карнай бўлдики, агар шу тобда бир бурда арпа нони қоқиси бўлса ҳам минг бир наргисий қайла ва беҳиштдаги ях ҳалводек томоқдан ўтарди. Алқисса, олти соат давомида тош қояси ўртасида ҳаётдан умид узганча турлук-турлук неча меҳнату машаққатлар билан ўтирдик. Кейин, илоҳий қудрат ва унинг туганмас олий лутфи туфайли ул зулмат ялдоси тубанлик ва бузукчилик олам юзидан олиб ташланди ва имкон олами шаффоф ва нуроний бўлди. Бизлар эса шукрлар айтиб, отларга миниб, йўлга равона бўлдик. Бошқалар ҳам ҳар қайсиниси бир бурчакдан чиқиб, қучоқлашиб кўришганча, бир-биримизни қайта берилган умр билан қутлардик. Бироздан сўнг Муҳаммадалихон ҳам мухтарам ҳарамлар билан етиб келди. Биргаликда ўйнаб-қулишиб, яна йўл юришда давом этдик. Оламни кезувчи офтоб бота бошлаган чоғда Қизил арча мавзесига кириб бордик. Ўша куниси ҳаво совуқлигидан бир неча кишилар жон таслим қилишди ва кўплар оёқ-қўлидан айрилишди. Эртаси куни у ердан кўчиб, бир неча тоғу тош ва тўқайларни ортда қолдирганча, неча меҳнату машаққатда Кировчи вилоятига етиб олдик. У ерда йўл чарчоқларини ёздик. Эрназар *девоңбеги* биз ҳаққимизда яхши меҳмондорчиликлар адо этди. У ердан отланиб, эртаси куни Тўйтепа кўрғонига кириб бордик. Индинига у ердан ҳам кўзғалиб, мақсадимиз сари йўлга тушдик. Тошкандлик амирлар ва сипоҳилар кутиб олиш учун истиқболимизга чиқиб, барчаси амир Умархоннинг оти узангисини ўпишга мушарраф бўлишди. Ўша аснода амир Чирчиқ дарёси тўқайзорига кириб, ов қуши учиришга машғул бўлди. Шундай ов қилдики, бунақасини ҳали кўз кўриб, қулоқ эшитмаганди. Айна пайтда Лашкар *қўшбеги* Тошканддан чиқиб, то шаҳардан икки фарсахлик масофадаги Чилчиқ дарёси қирғоғига келди ва кашмирий шол, гужаротий кимхоб, духоба, махмал ва тўққизқат мовут, фарангий зарбофт сингари турли-туман газлама ва қимматбаҳо матоларни амир Умархон назаридан ўткариб, тортиқ қилди. Амир Умархон неча ҳашамат ва подшоҳона дабдаба билан Тошканд мамлакати узра соя солди ва баракатли қадами билан ул шаҳарга файзу таровот бағишлади. Ўшанда амир Умархон кўнглига қадрдон фарзанди Абдуллоҳхонни тўй-томоша билан мазкур мамлакат тахтига ўтқазиб ва ҳукумат ишларини бошқариб туришни ғуломларидан энг кичиги Лашкар *қўшбеги*га топшириш истаги келди. Чунки, Абдуллоҳхон ҳали деярли болакай бўлиб, ўн тўрт ёшдан ошмаган эди.

Гапнинг қисқаси, амир Умархон тўй асбобларини тайёрлашга киришди. Бу борада Лашкар *қўшбеги* қасрини тайин қилишларига фармон берди. Ҳурматли амир ва нўёнлардан ҳар бирига қўноқ учун бир муносиб уй тайин қилинди. Қасрни эса жуда чиройли бир тарзда безатдилар. **Маснавий:**

Ба ҳар сў аз он қасри фирдавсасар
Шуд афрохта қасрхойи дигар.
Музайян ба дебойи Руму Фаранг,
Зи ажноси зардўзии ҳафт ранг.
Ба ҳар як нишаста бути маҳжабин,
Чу дар қасри зебо чунон ҳур айн.
Зи мардум рабуда дилу дин ҳама,
Фараҳбахш хонаҳойи ғамгин ҳама.
[Ул фирдавс асар қасрдан ҳар томон,
Бошқа қасрлар бўй тортар бегумон.
Руму Фаранг ипаги билан топмиш зийнат,
Етти хил зардўзи матоҳдан ҳам.
Ҳар бирида ўтирмиш ой манглай санам,
Зебо қасрда ўтирган каби бир ҳури жаннат.
Халқнинг ўғирламиш дилу динин бариси,
Фараҳбахш хоналарда лек ғамгин бариси].

Алқисса, амир Умархон ҳар куни олтин ва ложувард билан нақшланган ул хос қасрларда айшу ишрат базмлари ясаб ўтирди. Амирлар ва саркардалар ҳам ўз қасрларида ўрнашиб, райхоний шароблар ичиш ва ёқимли куй, қўшиқлар эшитиш билан машғул бўлдилар. Бу шодлик онлари ва хурсандчилик лаҳзалари барча яқин-йироқ кишилар димоғига ҳам етишиб, санъаткор ўйинчилар турли-туман ғариба ҳунарлар ва ажиба чиқишлар намоёиш қилишга киришдилар. Ҳар бири ўз санъатларини хос бир равишда ва ҳунарларини мос бир суратда юзага чиқардилар. Бу айёмда ҳусну малоҳат аҳли ҳамда хуш овоз нағма куйловчилар сони соат сайин ошиб, базму ишрат аҳли йиғинини кизитар, тотли сас бу нағмачилар янгидан янги куйларни чалиб, руҳни тетиклантирувчи ашулаларни тараннум этганча хос ва ом шодлигига шодлик қўшар эдилар. Шаръий мусалласга тўла жонона чинни пиёлалар ялтираши май ичувчилар кўзига сафо нурини бағишлар, моҳпайкар соқийларнинг офтобга тенг келувчи юзлари товланиши мастлар мажлисини қуёшли осмон каби чароғон айлаган эди. Ўйноқи пари чехралар гоҳо дилкаш соз билан мажлис қатнашчиларини масту беҳуш қилишар, бул қувончли айёмда фалак ҳашаматли даргоҳ баковуллари ҳар дамда турли-туман таомлар ва анвой ичимликлар муҳайё қилишарди. Лаззатли таомлар кўплиги ва латиф ичимликлар мўллигидан очлик расми бу вақтда базм халқи ўртасидан кўтариб ташланган эди. Чунончи, мавлоно Ҳозиқ ўз маснавийсида демишлар, **маснавий**:

Даме сад хон ба чандин ранг чиданд,
 Зи ақсоми таоми алвон кашиданд.
 Зиёд аз ончи меояд ба хотир,
 Зи анвои такаллуф буд ҳозир.
 Чу сери жўш зад аз деги рағбат,
 Нахўрдан гашт марғуби табиат.
 Чу пур бар чарбу ширин нил афтод,
 Табиатро ба турши майл афтод.
 [Ёйишди юз хил рангли дастурхон,
 Ҳар хил таомлар тортишди шу он.
 Кўнгилга келганидан ҳам зиёдароқ,
 Анвойи такаллуфлар эди муҳайё.
 Рағбат қозонидан жўш ургач тўқлик,
 Табиат хоҳламай қолди унча-мунчани.
 Ёғлик ва ширинлик кўп бўлиб истеъмол,
 Табиат билдирди туршроққа майл].

Алқисса, катта тўй берилган куниси амир Умархон шодиёна маросимини Чингизхон йўсини ва соҳибқирон кўруниши қондаси бўйича ташкил қилиб, эғнига подшоҳона либос кийди ва шоҳлик тожини бошига қўйиб, неча бир шон-шавкат билан жаҳонбонлик тахтига чиқиб ўтирди. Ҳурматга сазовор амирлар ҳам ўз ўринларида қарор топдилар. Улуғзода амалдорлар амир ўтирган жойдан бошлаб, қуйи бўйлаб ҳар икки томондан сафга тизилдилар. *парвоначилар*, *додхоҳлар*, *эшик оғобоши*¹⁵⁷⁶ лар, *тўқсобаларнинг* ҳар бири олтин асоларни ушлаганча ўз жойларида турдилар. *Ясовуллар*, *тавочи*¹⁵⁷⁷ лар ўз ишлари билан банд бўлдилар. Сўнг ҳар бир вилоят ҳокимлари амир назаридан ҳар хил қимматбаҳо газламалардан ташкил топган сонсиз тортиқлар ва чексиз совғалар ўткардилар. Бу пешкашлар ичида лаганга солинган жавохирот, тилла ва дирҳам, янбу кабилардан тортиб то қора тулки ва олмахон мўйнасидан тикилган пўстингача, кашмирий шол, гужаротий кимхоб, румий атлас, фарангий бахмал, хитой товари, ўрусий зарбофтларгача ҳамда шунқор, туйғун, лочин, баҳри, шоҳин, бургут сингари овчи қушлар, шамолдек учқур туялар, олтин ва кумуш билан безатилган эгар-жабдуқли араб насли йўрғали гўзал тулпор отлар, хушхиром хачирлар, анбарин сочли товус мақом ғулом баччалар, ой юзли зуҳра манглай канизаклар ҳам бор эди. Ҳар қайсинисидан бир бўлагини улуғ саркардалар тўққиз-тўққиз қилиб амир назарига манзур қилдилар. Улар орасида аксарияти марваридлар билан безатиб тикилган ва ҳар бири амир киядиган махсус либос услубида тайёрланган кийимликлар бухчаси ҳам бор эди. Амир Умархон ўшанда фақирга подшоҳона либос кийдириб, каминани салтанат пойтахти Хўқанд шаҳрининг *нақиблик* амали билан сарафроз этди. Мен ҳам ўша кундан қутлуғ Кўруниш таркибига қўшилиб, ўз ўрнимга ўтирдим. Амир мазкур Кўрунишда сайидлик паноҳи Маҳмудхонни менинг ёнимда ўтқазди, сайидлик паноҳи

¹⁵⁷⁶ Эшик оғобоши – сарой маҳрамларининг бошлиғи.

¹⁵⁷⁷ Тавочи – ҳарбий мансабдор. Ҳарбий юриш ва муҳорабалар олдидан қўшинга керакли нарсаларни тайёрлаб берадиган амалдор. Қўшин, аҳоли ва асирлар устидан назорат қиларди.

Жаҳонгирхожа ва саййид Ғозихожага *файзилик* амалини берди. Ҳаққулини бий қилди. Бухоро амири Ҳайдар подшоҳнинг укаси амир Ҳусайн ҳам ўша кезларда амир Умархон хизматида бўлиб, уни *девонбеги* ўрнига ўтказди. Амир Ҳусайн амир Умархон мадҳида яхши бир туркий қасида битган эди ва ушбу уч байт мазкур қасидадан дир. **Мухаммас қасида:**

Эй кўнгул, мумтоз эрур хонлар аро хоқонимиз,
Барча оламни мусаххар айлаган султонимиз.
Қайси султон, шоҳи шоҳоншоҳи Туркистонимиз,
Саййиди олам амир ал-муслимин хоқонимиз.
Шоҳ бизни шоҳимиз, султон бизи султонимиз,
Давр бизни давримиз, даврон бизи давронимиз.

Гарчи кўб кездук жаҳонда хору зору дарбадар,
Тобтук охир боргоҳи ҳазрати султон Умар.
Риштаи ихлос ила хизматга боғлабмиз камар,
Шукри лиллоҳ, қилди бизга лутфу шафқатдин назар.
Шоҳ бизни шоҳимиз, султон бизи султонимиз,
Давр бизни давримиз, даврон бизи давронимиз.

Ё илоҳо, давлату иқболин афзун айлағил,
Умрдин саршори бархурдор, мамнун айлағил.
Салтанат бобида, ё раб, ани маъмур айлағил,
Мирнинг тири дуосин зуд мақбул айлағил.
Шоҳ бизни шоҳимиз, султон бизи султонимиз,
Давр бизни давримиз, даврон бизи давронимиз.

Алқисса, ўша аснода олий тахт поясида ҳозир бўлган бошқа қирқ нафар ширин калом шоирлар ҳам гўзал қасидалар ўткардилар. Жумладан, мавлоно Ҳозик ҳам Абдуллоҳхон тўйи санасини акс эттирувчи олти таърих рубоий машқ қилган бўлиб, мавлоно Мухташам Коший¹⁵⁷⁸ татаббуъси тариқида битилган бу асардан бир минг йигирма саккиз йўл билан таърихлар чиқардики, даврнинг уч шоири – мавлоно Ҳотиф, мавлоно Хижлат ва саййидлик паноҳи Султонхон Адодан бошқа шуароси бундай санъатга ожизлик қилдилар. Мавлоно Ҳозик рубоийларидан биттаси қуйидагичадир. **Рубоий:**

Чун ёфт жаҳон ба асри вай тўйи дигар,
Жамжоҳи жаҳон суре ба сад зийнату фарр.
Сар кард ба шоҳзода ки шуд базм ҳама,
Жўши тараби жоми майи шоҳ Умар.
[Унинг замонида жаҳонда яна бир тўй бўлди,
Жамшид мартабали юз зийнатли байрам қилди.
Бошлади шоҳзода билан базм бўлгач барпо,
Шоҳ Умар майи жоми шодлиги жўш урмоққа].

Шундан сўнг амир Умархон шоирларнинг ҳар бирига бошдан-оёқ алоҳида кийимлар, кумуш жабдуқли от, ғалла, пул кабиларни тортиқ қилиб, уларни дунё матоҳларига эҳтиёж ташвишидан қутқарди. *Хонсолор*¹⁵⁷⁹ лар дастурхонга ҳар хил лазиз таомлар, майин ичимликлар тортдилар. Бу мазали овқатлар ейилиб, шароблар ичилгач, қутлуғ Кўруниш маросими ниҳоясига етди ва амир Умархон неча бир подшоҳона бахт ила ўз қасри сари кетди, мухтарам амирлар ва доврқли *сардор*лар ҳам ўз қошоналари томон юзланиб, кеча-кундуз айшу ишрат билан машғул бўлдилар. Амир етти кун давомида шу дастур билан Кўруниш маросимини барпо қилиб турди. Саккизинчи куни амирлар ва Фарғона лашкарининг бошлиқларига нисбатан саховат ва бахшиш қўлини очиб, ҳар бирларига ўз хизмат ва мансабларига муносиб равишда фахрли либослар кийгизишга тушди. Шу тариқа инъом бериш муддати етти кунга чўзилди. Ўшанда кўпчилик етти қаватдан инъом либослари олишди. Амир кечалари эса ўз надимлари билан кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ўтиришлар барпо қилди. Ана шундай кечалардан охиргисида амир «ҳозир олдимда нима турган бўлса, ўшани надимларга бахш этаман, кимнинг қўлига нима нарса тушса, олсин» дея буйруқ берди. Амирдан бундай фармонни эшитган ўтириш қатнашчилари шу заҳотиёқ амирга тааллуқли нарсаларга ёпиша кетишди. Жумладан, мен амирнинг мурассаъ камарини узуги билан бирга қўлга киритдим. Исҳоқ *девонбеги*

¹⁵⁷⁸ XVI аср иккинчи ярмида Эрон ва Ҳиндистонда яшаб, ижод қилган асли эронлик шоир Мухташам Кошийнинг “сабки хиндий”да ёзган шеърлари ўша пайтлардаёқ Ўрта Осиё шоирлари орасида шуҳрат топган эди. Бу ҳақда Мутрибий Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” (1605 й.) ва “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” (1628) тазкираларига қаранг.

¹⁵⁷⁹ Хонсолор – дастурхончи.

қора тулки тери пўстинини олди. Шоҳи *парвоначи* амирнинг қимматбаҳо безакли қиличи, Юсуф *парвоначи* эса марваридлар қадаб тикилган бўркига эга чикди. Ўтирган бошқа яқинлар ҳам шу каби амирнинг бирон нарсасини табаррук учун дарҳол илиб олдилар. Шу сабабли амир олдида ҳеч нарса қолмай, шип-шийдон бўлди. Тўғри, оёғи остидаги палос ва ўтирган хона қолди, холос. Амирнинг Муҳаммадюсуф *тунқотар*¹⁵⁸⁰ номли битта гапга чечан ва сўзга уста, ширин калом надими бўлиб, иттифоқо, ўша буйруқ берилишидан олдинроқ таҳорат учун ташқарига чиқиб кетган эди. Ташқарида турганча бу воқеадан хабар топиб, тезликда амир олдига югурди. Қараса, надимлар девонхонада бир нарса қолдирмай «супуриб-сидиришибди». Ўртада шамдан бўлак нарса қолмабди. Аҳволни бу зайл кўрган надим афсус қўлини бир-бирига ишқади, амирнинг эса унинг бу харакатидан кулгуси қўзғаб, хохолаб кулишга тушди. Кулгудан ўзини зўрға тўхтатган амир унга қараб «шу ердаги мол-мулкимдан арзигулик бирон нарса топ-да, ўзингники қилиб ол» деди. Муҳаммадюсуф *тунқотар* олти томонга кўз югуртириб, арзигулик бирон нарса топа олмади. Шунда сакраб амирнинг хос ғуломи бўлмиш Лашкар *қўшбегининг* қўлидан ушлади ва «мана ўзимга зарур матоҳни топдим, эртага бу кулни эшак ҳайдашга қўяман» деди. *Тунқотар*нинг бундай топқирлиги хуш ёққан амир кулавериб, чарчаганидан сўзлашга мажоли қолмади. Надимлар ҳам *тунқотар*нинг бу ҳозиржавоблиги ва зеҳни ўткирлигига таҳсинлар айтиб, ўзларини эса нега шундай семиз овни қўлдан чиқардик, дея койиб бошладилар. Шу билан ўтириш ниҳоясига етди. Амир мендан узугини қайтариб олди, мурассаъ камарини ўзимда қолдиришим мумкинлигини айтди. Қайтариб олган узуги эвазида эса қимматбаҳо либослар, тилло жабдуқли хос отини ва деярли уч минг тилло иқтоъ қийматли обод бир қишлоқни менга бахшида қилди. Лашкар *қўшбеги* ўша мусалласдан маст чоғи кайф устида дарҳол Муҳаммадюсуф *тунқотар*дан ўзини минг тиллога сотиб олди. Эртаси куни Муҳаммадюсуф *тунқотар* ўз қилган ишидан пушаймонлар бўлди ва афсус чекди. Аммо, фойдаси бўлмади. **Мисраъ:** Аз пушаймони чи суд акнун ки кор аз даст рафт (Энди иш қўлдан чиққач, пушаймонликдан не фойда].

Билим аҳли назаридан бекитиқча қолмасинким, ўша бахт белгили ва саодат аломатли сафар чоғида кўрган амир бахшида этган инъомлар ва сарфланган бошқа нарсалар ақлдан йироқ ва тушунчага сиғмас даражадаги исрофгарчилик эди. Агар уларнинг ҳар бирини бир-бир ёзадиган бўлсак, сўз чўзилиб кетади. Бинобарин, эшитувчига малол келмаслигини кўзда тутиб, гапни қисқа қилиш мақсадга мувофиқ кўринди. Чунончи, мавлоно Балдойи демишлар, **байт:**

Гуфт: эй ки он сахоро яди байзойи дигар,
 Ҳамчу хуршед ба хоки сияҳ афшонд зар.
 [Деди: саховатнинг оқ қўли бугун ўзгача,
 Қуёшга ўхшаб сочар олтин қора ергача].

Хулласи калом, амир Умархон тўй ишларидан кўнглини тинчитгач, Тошканд вилояти ҳукуматини аржуманд фарзанди Абдуллоҳхонга берди. Лашкар *қўшбегини* эса унинг ёнида қолдириб, ўзи дор ас-салтана Хўқандга қайтди. Бир кўч масофадан сўнг Қурама вилоятига етишди ва у ердан ҳам кўзғалиб, ёнидаги исмат пардаси чимилдиғи ортидаги ҳарами билан яна ўша келган йўлимиз сари юзланиб, уч кеча-кундуз мобайнида олдинги каби минг бир азобда ўша тоғлик ва чакалакзорлардан ўтиб, Қамич кўрғон¹⁵⁸¹ мавзесига кириб борди. Эртаси куни у ердан отланиб, Сайхун дарёси қирғоғига тушди ва опа-сингиллари ҳамда барча ҳарам аҳлини битта кемага ўтқазди. Кемачини дарғалик қилишга қўймай, ўрнига ўзининг икки надимини мен ва Муҳаммадалихон билан бирга дарғалик қилиш учун ўтқазди. Неча кўрқув ва ҳадик билан дарёдан соғ-омон кечиб ўтдик. Қирғоққа тушгач, у манзилдан кўчиб дор ас-салтана Хўқандга бориб тушдик. Амир ўз саройига кўниб, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш билан машғул бўлди. **Шеър:**

Хоб дар рўзи бод хуш омад,
 Рўз меғ аст сайд некўтар.
 Рўзи борон шаробро шояд,
 Бо бутони латиф маҳпайкар.
 Рўзи софи ба боргоҳ нишин,
 Корҳоро ба адл берун бар.
 [Уйку шамол эсан кун хушдир,
 Булутли кундаги овдан яхшиси йўк.
 Ёмғир ёққан кун нозик бадан санамлар

¹⁵⁸⁰ Тунқотар/тунқотир – тун соқчиси.

¹⁵⁸¹ Қамич кўрғон – Қамишкўрғон, Сирдарё бўйида Умархон тарафидан бино этилган истехком.

Даврасида кун шароб ичмоқ не роҳат.
Ҳаво очик куниси саройда ўтиргилу,
Ишларни адолат билан ҳал эт.)

Амирлик паноҳи Ражаб девонбегининг Аҳси вилоятида шаҳид бўлгани зикри

Бир неча муддат шу зайл ўтгач, даврнинг бир неча бузуқи ва фисқу фасодчи кишилари тағин амир Умархон қулоғига «Ражаб қўшбеги валийликка баробар қарилик чоғида ўзига муносиб тариқатдан ташқари қадам босиб, кўрнамакликни ўзига касб қилиб, акангиз Олимхоннинг Қоратегин вилоятидаги Шоҳ Абдулазиз қарамоғида турган ўғиллари олдиға зимдан одам юборибди ва уларни Хўқанд мамлакати дор ул-мулки салтанатидан умидвор қилибди» деган тухматни етказишди. Амир Умархон ҳасадгўйлар оғзидан чиққан бу ғаразли сўзларни эшитгач, қаттиқ ғазабланди ва ул ғаммозларни ўз ўтиришидан четлаштирди. Бир неча вақтдан сўнг мазкур гумроҳ бандалар фурсатини топиб, ҳалиги гапни тағин амир қулоғига чалинтирдилар. Амир яна бу каби иғво сўзларга эътибор бермади ва уни қабул қулоғи билан эшитмади. Бу гаплар яна шу зайл эътиборсиз қолгач, ул иблис тийнат кишилар тағин фурсат топиб, ўз сўзларида турганча, келиб масалани қайта кўтардилар ва неча бир шайтонлик билан макру тузоқ йўлини тутиб, амир Умархон кўнглини Ражаб қўшбегидан бир миқдор совутишга эришдилар. Шу тариқа ул бебоклар ўзларининг тадбири тақдирга мувофиқ тушаётганини англаб, белини юз еридан маҳкам боғлаганча мазкур мудҳиш ишга ихлос билан қўл урдилар. **Қитъа:**

Ғаразгўён чу бо ҳам ёр гарданд,
Азизон бе жиноят хор гарданд.
Хушомадгў гар аз дунё барафтад,
Халал дар кори шоҳон камтар афтад.
[Ғаразгўйлар гар бир-бирига ёр бўлур,
Гуноҳсиз азизлар хору зор бўлур.
Хушомадгўй дунёда бўлмаса гар,
Шоҳлар ишига халал етмас ҳеч].

Алқисса, бир куни ул малъунлар Ражаб қўшбеги тилидан амир Олимхон ўғиллари номига хат битдилар ва совундан Ражаб қўшбеги муҳрини ўйдириб, хат остиға босдилар. Сўнг хатни амир Умархон назаридан ўткардилар. Иккита ўғрини ҳам хатни олиб кетаётган киши сифатида ушлаб келдилар ва уларга буларнинг «айтаётгани тўғри» дея тасдиқлашни уқтирдилар. Ҳалиги икки киши кўрққанларидан иғвогарлар ўргатган сўзларни такрорладилар. **Мисраъ:** Ҳасудон аз жаҳон кулли бар афтад (Илоҳим ҳасадчилар ер юзидан бутунлай супурилиб ташлансин); Алқисса, амирнинг кўзи ул хатга тушгач, ҳайрат бармоғини тишлаб, ўй денгизи қаърига чўмди ва бу боши тугилган муаммони кимга айтишини билмай боши қотди. Ниҳоят, дардини жаноб қиблагоҳимга ёрилди. Ул жаноб буларнинг барини чақимчи баттол кишилар ишига йўйди ва бу каби алдовларга сира ҳам учмасликни маслаҳат берди. Аммо, чиқимчилар сўзи ва қалбаки хат билан ҳалиги ўргатилган икки ўғри одамнинг ёлғондакам гувоҳлиги аллақачон ўз ишини қилиб бўлган, яъни амир Умархонга ўз таъсирини ўтказиб улгурган эди. Ражаб девонбегини оқлашнинг ҳеч бир чораси қолмаганди. Балки, киши бу борада амирга сўз қотишга истиҳола қилиш даражасига етганди. Жаноб қиблагоҳим амир кўнглини бундан қайтаришга қанчалик уринмасинлар, охирида, амир раъйига қараб иш тутишга мажбур бўлиб, лом-мим демай жим ўтирдилар. Ҳа, саодат аҳлининг суҳбати ва поклик асҳобининг мувофиқати, одамийлик ва ферузманглик тожи қимматбаҳо бир гавҳардир, эътибор манзилининг мангу йўли, йўл кўрсатувчи Хизридир. Қора кўнгил гумроҳлар ва ёвузлик саҳросининг тикани ва залолат вайронасининг бойўғлиси бўлмиш беҳосил ғофиллар ўтиришидан йироқлашиш барча кишилар учун лозим ва вожибдир. Чунки пастлар ва ножинслар суҳбати номи юксак ва эътибор арбобининг яхшилик номи қасрини қулатувчи тошқин бир сел, бир нафасда соғлик ва омма ҳаёти кемаларини ҳодисалар ва олатасирлик денгизининг тўрт қат мавжли тўфони қўлиға топширадиган бир бўрон. Қайси бир кўр ғофил подшоҳ эҳтиётсизлик қилиб қўлини ул тубан пасткаш, обрўсизларга қўшилиш ва ошначилик ҳалқаси томон чўзса, ўз тўғрилиқ оёғини турли укубатлар берувчи тузоқ ипиға боғлаб берган бўлади, қай бир паст зотли жоҳил хусрав ўзининг онгсизлик ва ақли калталиги натижасида вафо нақдини ихтиёр кафтидан ул қабиҳ қилмишли гуруҳнинг мувофиқат савдосига берса, ҳеч қачон феруз бахтлиқ ва эътиборнинг етуклик бозорида ҳақиқий пулни чўнтағига кирита олмайди. **Байт:**

Ҳар ки бо ножинс биншинад даме,
Умрҳо бори пушаймони кашад.
[Кимки ножинс ила ўлтурса даме,

Олғусидур пушаймонлик они)

Алқисса, амир бир куни ҳарамда мусаллас ичиб ўтирарди. Ҳузурида мен ва Муҳаммадалихондан ўзга киши йўқ эди. Мастлик ҳолатида Муҳаммадалихон модага қараб, Ражаб қўшбегини чақириб кел, деди. Муҳаммадалихон мода¹⁵⁸² ташқари сари югуриб кетди. Фақир эсам соқийлик вазифасини ўтаб ўтирарим. Амир менга юзланди ва туркий тил ила «ит Ражаб келса мендин бохабар бўлиб тур» деди. Сўнг шамширини миҳ қозикдан олиб, тиззалари орасига яширди. Амир оғзидан бу сўзларни эшитгач, бирданига титраб кетдим. Шу заҳоти ул бегуноҳ кадрдон кишимиз ҳаётидан бутунлай қўл ювдим ва бу қитъани ўқидим:

Шаҳо, олам андар паноҳи ту бод,
Замину замон некхоҳи ту бод.
Калиди дари фатҳ бодат ба даст,
Сари душманон зери пойи ту бод.
[Эй шоҳ, олам паноҳинг остида бўлсин,
Еру осмон яхшилигиндан умид қилсин.
Фатҳ эшигининг калити қўлингда турсин,
Душманлар боши оёғинг остида эзилсин].

Ўша пайтда Ражаб қўшбегини кириб келди ва одоб юзасидан икки тиззаси устига чўкка тушди. Шоҳ билан вазир бир-бири билан гаплаша кетишди. Охири гап айланиб, мазкур мавзуга келиб тақалди. Ражаб қўшбегини қасамлар ичиб, қаттиқ турганча аҳду паймон, вафодорлик сўзларини ўртага солди ва у ушбу байтни бир неча бор ўқиди. **Байт:**

Машнав сухани ҳар кас ва бишнав сухани ман,
Ки арбоби ғаразrost ба ҳар боб суханҳо.
[Ҳар кимсанинг гапига кираверма, мен ҳақимда мендан сўра,
Ғараз аҳлининг сўзи исталган борада бўлиши мумкин].

Бир қанча тортишув ва мунозарадан сўнг амир эғнидаги подшоҳона тўнини ечиб, Ражаб қўшбегини инъом қилди ва кетиши учун рухсат берди. Ражаб қўшбегини ниҳоятда хурсанд бўлиб, уйига кетди. Бу бўлиб ўтган воқеа эртаси куни бутун вилоят бўйлаб тарқалди. Барча умаро ва фуқаро бунини эшитиб, қувончдан шодликлар қилишди. Аммо, камина гап нимадалигини яхши билардим. Ҳар ҳолда бир неча вақт шу зайл кечди.

Алқисса, амир Умархон Эрназар девонбегини Қурама вилояти ҳокимлиги лавозимидан озод этиб, унга Тўрақўрғон ва Намангон вилоятини берган пайтда Ражаб қўшбегини билан бирга Эшон Тўра ўроқи калонни юбориб, Эрназар девонбегини Тўрақўрғонга олиб бориб, мансаб ўриндигига ўтқазиб қайтиш учун жўнатадиган бўлди. Улар амир Умархон ҳузуридан топшириқ бўйича рухсат олиб чиққач, ўша аснода амир пинҳона равишда Эрназар девонбегини Ражаб қўшбегини ўша томонларда гумдон қилиш ҳақида буйруқ берди. Амирлар Тўрақўрғон сари йўлга тушдилар. Бир неча масофани босиб ўтгач, Сайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Ахси мавзесида қўш ташлашди. Тундан ярми ўтган маҳал Эрназар девонбегини тўрт нафар уят-шармсиз жаллодга мазкур масала бўйича топшириқ берди. Бераҳм жаллодлар ул бегуноҳ боши устига келиб, бечорани милтиқ пилтаси билан бўғиб ўлдиришди ва жонсиз жасадини қопга солиб, ўша ярим тунда Сайхун дарёсига улоқтиришди. **Байт:**

Ба тунди сабук даст бурданд ба теғ,
Ба дандони газанд нест дасти дарег.
[Чаққонлик ила осон тарзда қиличга чанг солишди,
Афсуслик бармоғини тишлашни эсдан чиқаришди].

Уч кундан сўнг одамни ғам-ташвишга солувчи бу хабар бутун Хўқанд шаҳри бўйлаб ёйилгач, барча халқ ҳасрат бармоғини тишлаб, афсус-надоматлар қилишди. Ражаб қўшбегининг умри муддати олтмиш олти ёш бўлди. Ўшанда мавлоно Ҳозик яхши бир таърих айтгани ва мазкур таърих ушбуди:

Килки девони қазояш пайи таърих бигуфт,
Зад рақам «марги Ражаб ҳаждахуми шаҳри ражаб»¹⁵⁸³.
[Тақдир девони ўлими санасини излаб деди,
Рақам қилди: «Ражаб ўлди ражабнинг ўн саккизида»)

¹⁵⁸² Асарда бу сўз ўрнига баъзан “модарзан”(онасига уйланган) ёзилган. Баъзи нусхаларда бу сўз ўчирилиб “ғозий” сўзи ёзилган. Муфассал “кириш” қисмига қаралсин.

¹⁵⁸³ Тарих моддаси 1232 ни беради. 18 ражаб ойи 1232/ .

Амир Умархоннинг саййидлар хонадонидан уйланиши ва бу ишнинг унга барака келтирмагани зикри

Бир неча вақт шу тариқа ўтгач, саййидлик ва нажиблик паноҳи Маҳмудхон амир Умархон ҳузурида ўта илтижо билан қуйидагича илтимосни арз қилди: – Агар хусрави олам подшоҳлик юзасидан меҳрибонлик ва шафқат қилиб, кошки бирон бир қалъани менга марҳамат қилсалар, масалан, Ўратепа вилоятини қирқ кунда қўлга киритган бўлардим. Биродарим саййидлик паноҳи «агар ва магар» андишасини илгари суриб, бу орзусини бир неча сабаб ила амалга ошира олмаган, натижада, обрўсизликдан бўлак самарни қўлга киритмаган бўлса, бу менга муяссар бўлғусидир.

Байт:

Агарро бо магар ҳам жуфт сози,
Аз ў фарзанд зояд «кошки» ном.
[Агарни магар билан жуфтлаштирсанг,
Ундан «кошкий» исмли фарзанд туғилади].

Алқисса, амир Умархон бу сўзни эшитгач, фикр денгизига чўмди ва сўнг бу борада амирларга маслаҳат солди. **Байт:**

Дар ҳар коре мушовират мебояд,
Кори бе машварат некў наояд.
[Ҳар бир ишда маслаҳат маъқул,
Маслаҳатсиз иш яхши пишмас].

Ҳар ким ўз билганича бир нарса деди. Жаноб қиблагоҳим бу ишни ёқтирмади ва «Сиз саййидлик паноҳи Маҳмудхонни неча хорлик ила ўз вилоятидан айириб, ушлатганча бу ерга олиб келдингиз. Энди уни тағин ўз вилоятига эга чиқадиган мақомга тайинламоқчисиз. Яхшиси, бу истак баҳридан воз кечинг» деди. Саййидлик паноҳи бу сўзни эшитиб, жаноб қиблагоҳимдан гина қила бошладилар. Шундан сўнг жаноб қиблагоҳим ҳеч нарса демадилар. Ўша кезларда жаноб қиблагоҳим Эшон Султонхонхожаи *хожа калон*нинг исмат пардаси ортида ўтирган бир қизи бор бўлиб, асли ҳар икки томондан ҳам саййидликнинг ипак толасидан яралган эди. Чунончи, ота тарафдан Аҳрорий, она тарафдан Маҳдуми аъзамий. Ўшани саййид Маҳмудхон яширин равишда амир Умархонга «ул саййидлик номусини никоҳингизга киритамиз» дея ваъда берди. Амир кам тажрибалик юзасидан бу хушxabарни эшитгач, қувончи ичига сиғмай, бошу кўзим устига, дея қабул бармоғини кўзи устига босди. Ишқилиб, амир Умархон давлатига етгучи путур ана шу тариқа бошланиши керак эканми, амир ўзининг нобудлигига сабаб бўлувчи ишга қандай қилиб қўл урганини билмай қолди. Ниҳоят, шунга кўра, подшоҳлик мағрурлиги тутиб ва аммора нафси ютиб чиқиб, зимдан саййид Маҳмудхонга одам қўйди ва юртбошилиқ йўлидан ташқари қадам босганча, ҳукмронлик журъати орқасида ул саййидлик хонадонига гўстохлик қилиб, ул иффат уйининг саропардасига совчилик қилди. Биродарим Маҳмудхон ҳукуматга шу даража ошиқ бўлганидан, неча минг қиз ва ор-номусни ҳам давлат қалъасининг бир дона кесагига алмаштиришга тайёр эканини ошкор этди. **Байт:**

Касе ки лукмае аз хони жоҳу давлат хўрд,
Ба фақру фоқа қаноат наметавонад кард.
[Мансабу давлат дастурхонидан бир лукма еган одам,
Йўқсиллик ва камбағалликка қаноат қилмай қолади].

Маҳмудхон дарҳол Эшон Султонхон ҳузурига бориб, амирдан совчи келганини айтди. Ул саййидлик паноҳи бу жонни куйдирувчи хабардан оловга тушган соч толасидек тўлғанди. Анча баҳсу мунозарадан сўнг Маҳмудхон биродарини ҳам кўндиргандек бўлди. Бу воқеа икки кундан сўнг бутун шаҳар бўйлаб ёйилди. Саййидлик паноҳлари Тўрахожаи *хожа калон*, жаноб қиблагоҳим ҳам бу ходисадан хабар топиб, ўй ва фикр денгизига чўмдилар. Дарҳол отларига миниб, амир ҳузурига бордилар. Иттифоқо, ўша пайтда мен амир ҳузурида эдим. Амир саййидлик паноҳлари келганини эшитиб, менга юзланди ва туркий тилда «Маъсумхон акам албатта мендан койиб келиб турлар» деди. Шундай деди-ю, дарров ўрнидан кўпиб, саййидлар истиқболига ошиқди ва ўзи ўтирган ерга ўтказди. Бироздан сўнг бўлиб ўтган ҳодиса устидаги суҳбат ҳам бошланди. Жаноб қиблагоҳим амирга юзланиб: – Эшитишимизча, Сиз жаноблари эндиликда пайғамбарлик хонадонига қўл чўзибсиз. Давлатингиз тарафдори сифатида айтаман. Ўтганларингиздан ҳеч бири бундай ишга қўл урмаганди. Умид қиламизки, Сиз жаноблари томонидан ҳам бундай иш амалга ошмайди. Чунки, аввалан, ҳеч ким ўзига бундай ишни раво кўрмаган, қолаверса, журъат қилганлари учун ҳам бундай иш яхшилиқ билан тугамаган, – дедилар. Отам шу сўзларни айтгач, ушбу **байт**ни ўқидилар:

Ба авлоди паямбар даст бурдан,
Ба хуни хеш бояд даст шустан.

[Пайғамбар авлоди сари қўл чўзгандан кўра,
Ўз қонинг билан қўлинг ювганинг яхшидир].

Камина амир вафотигача олти йил мобайнида сафарда ва ўтириб-туришларда у билан бирга бўлиб, сира ҳам қасам ичганини кўрмагандим. Фақат ўша куниси ғазаб юзасидан қасамёд қилиб, **мисраъ:** Чунин ҳарфе нагўяд ҳеч оқил (Бундай сўзни демас ҳеч бир оқил одам); – Бу гап мендан чиқмади, бу иш саййидлик паноҳи Маҳмудхон оёғи тагидан чиқиб, қул ва меҳтар бозорини ўртага ташлади. Бизни ўз ҳолимизга қўймади, – деди. Албатта амир бу сўзларни ич-ичдан эмас, балки, саййидлар юзи учун бундай оҳанг билан гапирмоқда эди. Чунки, мен унинг дили парвона каби ул саййидлик осмонининг Ҳумо қушини қачон ўз тузоғига илинтириш иштиёқида қоврилаётганини яхши билардим. Саййидлар амирдан бу сўзларни эшитгач, кўнгилларини амир томонидан тинч қилиб, биргаликда жаноб Эшон Султонхон уйига кетдилар. Бир неча дақиқа ўтгач, амир каминага қараб «сен ҳам бор, саййидлар орасида қандай сўзлар бўлиб ўтса, ҳеч бирини қолдирмай ва оқизмай-томизмай, келиб менга айтасан» деди. Камина қабул бармоғини кўзимга босиб, саййидлар кетидан қувиб, ҳузурларига етишдим. Қарасам, ўзаро сўзлашиб ўтиришибди. Жаноб қиблагоҳим жаноб Султонхонга қаттиқ-қаттиқ гапирмоқда. Жаноб Султонхон ҳам амирга ўхшаб қасамлар ичиб, менинг сира ҳам бу гаплардан хабарим йўқ эди, нима иш қилган бўлса, биродарим Маҳмудхон қилди, демоқда. Иккала саййид эшондан ҳам амирники каби бир хил жавобни эшитгач, шу заҳоти отланиб, ўз уйларига қайтишди. Мени эса саййид Маҳмудхон олдига жўнатишди. Фақирингиз саййидлик паноҳи Маҳмудхон ҳузурига бордим. Мен келганимни эшитиб, олдимга чиқди ва каминани жуда яхши иззат-ҳурматлар билан қарши олди. Унинг бундай мулозаматидан жуда уялиб кетдим. Ниҳоят, келишимининг сабабини айтдим. Саййид Маҳмудхон ўй-фикрга толди ва бирор фурсат ўтгач, нима бўлса, бўлди, эндиги пушаймонликдан фойда чиқмайди, деди. Бу жавобни саййидлик паноҳидан эшитгач, дарҳол қиблагоҳим ҳузурига ошиқдим ва воқеа баёнини арзларига етказдим. Қиблагоҳим каминадан бу сўзни эшитгач, саййидлик паноҳининг дунё учун бебаҳо ор-номусини арзимас баҳога сотганини англади. Сўнг ҳайрат бармоғини қаттиқ тишлаганча, жим бўлиб қолди. **Қитъа:**

Ризқ мақсумест аз аввал муқаррар кардаанд,
Ҳеч касро беш аз он ҳосил намегардад ба жаҳд.
Ҳарчи меояд зи бешу кам, бад-ў хурсанд бош,
К-ончи хоҳи зи осмон нозил намегардад ба жаҳд.
[Ризқ тақсимоти азалдан белгилангандир,
Ҳеч ким ортиғини қўлга кирита олмайди.
Озми-кўп етишганига хурсанд бўлавер,
Не қилсанг ҳам осмондан бошқаси тушмас].

Фақир алар ҳузуридан чиқиб, амир Умархон олдига бордим. Нималар бўлганини бошидан-охиригача батафсил сўзлаб бердим. Амир тешида ҳеч нарса демади. Аммо, ичидан гул каби яшнаб кетди. Икки кундан сўнг тўй бўлиб ўтди. Одам ақли бовар қилмайдиган даражадаги тўй қилинди. Никоҳ кечаси амир Умархон мени ва Муҳаммадалихонни бир нечта исмат пардаси гўшанишинлари билан бирга бориб, ул саййидлик қутиси дурини олиб келишимизни буюрди. Бизлар амир ҳузуридан чиққач, ул замона Билқиси¹⁵⁸⁴ ва давримиз Хадича¹⁵⁸⁵ сини неча бир дабдаба билан амир қасрига келтирдик. **Байт:**

Эй назири ту дар андеша чу тақдир маҳол,
Дода Эзид ҳама чизат аз мислу мисол.
Тутқи исмати ту пардаи бинойи ваҳм,
Ба рукқаъи рўйи аффофат саблу чашми хаёл.
Боди фаррошпазир аз сари густох рўйи,
Соҳати поки ту мерафт ба гесуйи шамол.
Малака гуфт марав пеш ки он жо ки туи,
Мурғи андеша наёрад ки бижунбонад бол.
Сояш чун руҳ номаръист зи он к-зи акси хеш,
Бошад андар гесуйи ў нури пинҳон доимо.
То наандозад назар бар сояйи чатраш сипехр,
Мекашад дар дида мили оташин хуршедро.
[Ўхшаши худди тақдир каби ақлга сиғмас гўзал,

¹⁵⁸⁴ Билқис – Сулаймон пайғамбарнинг аслида ўзининг ҳам бошқа бир давлат подшоси бўлган хотини.

¹⁵⁸⁵ Ислом пайғамбари хотини Хадичайи Кубро кўзда тутилмоқда.

Худо ҳуснинг учун не лозим эрса бермиш.
Ҳаё парданг ваҳм биноси-ю, ул томон йўл йўқ,
Иффат юзинг саҳфасини хаёл кўзи кўрар фақат].

Алқисса, қозилару уламо, дин улуғлари-ю, фузалони қутлуғ йиғинга чақириб, ойдин шариат аҳкомига кўра ул замон Билқисига никоҳ ўқидилар. Тақдир машшотаси кунинг зардўзи пардасини осмон оқшомининг келинлари юзидан сидириб ташлагач, ой ва муштарий юлдузи нилуфарий чимилдикда дилбарлик бошлаб, келин-куёв яқинлиги мунчоқ тизими кўринишини олди. Амир Умархон хос хилватхонага кириб, ул ой андомли зухра манглайни кучоғига тортиб, ундан дили мақсадини ҳосил қилди. **Маснавий:**

Ба олмоси тажаллуд гуҳаре суфт,
Ки натавонад қалам кайфияташ гуфт.
[Олмос билан гавҳарлик жилдини тешди,
Қалам аҳволини айта олмасин деб].

Аммо, тўғриси айтиш лозимки, менинг билишимча, ул саййидлик оиласи бокиралигича қолган, яъни ўша оқшомиси амир билан келин орасида жинсий яқинлик ҳосил бўлмаган эди. Чунончи демишлар, **маснавий:**

Ба роҳи жоҳ агарчи тезу так буд,
Ба вақти комрони сустраг буд.
[Мансабга етишда тез ҳаракат бўлган эса-да,
Мақсадга етишда сустр томирлик қилганди].

Қазо ва қадар фаррошлари офтобнинг зар нигор палагини осмон базмгоҳи кенглиги узра ёйган ва хуршид жамшиди балқиши шўъласи рубъи маскун майдонини мунаввар ва музайян қилган маҳал бўлмиш эртаси куни, **байт:**

Рўзи дигар ки базмгоҳи сепехр,
Гашт равшан зи фарри талъати мехр.
[Осмон базмгоҳи куёш нури ёғдусидан

Равшан тортган эртаси куни) – амир Умархон тўйхонанинг осмон ўпар чодирда бахт тахтига ўтирди ва унинг айш мажлиси, хурсандчилик ўтириши ҳурматли амирларнинг куёш мисоли пешоналари нуридан безак топди. Арғувоний шароб жомлари ялтирашидан ва тароватли майин ичимлик тўла қадахлар ёғдуси ўтирганлар юзи саҳфаларини равшан айлаб, кўзларини камаштирди. Кумуш бадан соқийлар юзининг офтоби нури ул базмгоҳ ён-теварагини нурлантириб, сафолик бахш этди. Хуш овоз мутрибларнинг дилни ўғирловчи нағмалари майпарастлар хузур-ҳаловоти ва қувончини неча чандон қилди. Чарбдаст, яъни қўли ёғли ошпазлар ва ширин тилли хонсолор *дастурхончилар* ҳар лаҳза лазиз таомлар ва тотли ичимликларни хаёл ҳафсаласига сиққанча ва эҳтимол доираси сиғиши мумкин бўлганидан ҳам ортиқ даражада тортиб турдилар ва «яна ўзлари танлаб оладиган мева-чева ҳамда иштаҳалари тортган қуш гўштлари ҳам айлантдириб турил»¹⁵⁸⁶ди. Очлик карвонини хос ва авомнинг меъдасидан қайта келмайдиган қилиб кўчириб юборишди. **Байт:**

Зи жинси хўрданиҳо ҳарчи хоҳи,
Зи мурғ оварда ҳозир то ба моҳи.
[Егулик жинсидан нимани истасанг,
Паррандадан то балиққача муҳайё].

Шу тахлитда бир неча кун хурсандчилик палоси тўшалиб турди ва амир Умархон хуррамлик базми ва дўстлар даврасида ўтириб, тўй ва зиёфат расмини адо этди. Аммо, бу шоду хуррамлик ва тўкин-сочин базмларнинг охири вой бўлиб, шунча қилганининг бариси бурнидан чиқди. Ҳеч қанча вақт ўтмай амир оғир касалга дучор бўлиб, натижада шу касаллик билан оламдан ўтди. Аммо, унганча бошлаган муддаомизни айтиб ўтайлик. Гапнинг қисқаси, мазкур воқеадан сўнг саййидлик паноҳи Маҳмудхон қалъани қўлга киритишдан кўп умидвор бўлиб, бу борадаги фикрида қаттиқ турди. Оқибатда амир Умархон ноилож бўлди. Хўжанд ва Ўратепа орасида жойлашган Қўштегирмон қалъаси ҳукуматини унга қарашли ерлари билан бирга қўшиб, саййид Маҳмудхонга берди. Саййид Маҳмудхон амир ҳузуридан чиққач, кетишга рухсат олганча дарҳол ул қалъа сари юзланди. Бир неча масофани босиб ўтгач, Қўштегирмон қалъасига кириб борди. Барча ҳимматини Ўратепа вилоятини қўлга киритмоқ ишига қаратди. Бу хабар Муҳаммадраҳим *девонбеги* қулоғига етишгач, ўтга тушган соч толасидек ғазаб оловида тўлғанди. Бу икковининг лашкари ўртасида уч марта жуда шиддатли жанглар бўлиб ўтди. Тақдир тақозосига кўра саййидлик паноҳи Маҳмудхоннинг бахт юлдузи сўниш сари йўналишга маҳкум бўлгани ва биродарим Муҳаммадраҳим *девонбегининг* эса толеъ кавкаби

¹⁵⁸⁶ Қуръони карим, 56:21.

юксаклик узра мақом тутиши лозим экани сабабли ҳар уч бор урушда ҳам ғалаба эпкини Муҳаммадраҳим *девонбеги* лашкари томон эсиб, енгилиш қисмати саййидлик паноҳи қўшини сари бўлди. Саййидлик паноҳи аллақачон бахти қайтганлигини сезиб, ушбу **байт**ни ўқиди:

Ки сар кашид дар ин бўстон ки сар накашид,
Зи решаи жигараш даста-даста сунбули оҳ.
[Бу бўстонда ким бўй чўзса ҳам, бўй чўзмаса ҳам,
Куйган бағридан униб чиқар оҳ-воҳ сунбули].

Ва Муҳаммадраҳим *девонбеги* ҳар уч ғалабани ҳам ғайбий атолар жумласидан санаб, саййидлик паноҳидан қўрқиш ваҳимасини дилидан чиқариб ташлади ва ўз ўрнида тинч кўнгил, мустақил давлат билан ўтирди.

Амир Умархоннинг Ўратепа, Жиззах ва Самарқанд томонларга лашкар тортгани ва мақсадига эриша олмай қайтгани ҳамда ул шохнинг бу ишдан афсус-надомат чеккани зикри

Оламни кезувчи офтоб Ҳут буржидан кўчиб, Ҳамал буржиге етган вақтда амир Умархон гулу лолалар очилган, райҳон ва сунбуллар қўшини йиғилган фаслда илоҳий ва моддий нарсалар яратувчисига таваккал қилганча, йигирма минг нафар ханжар сочувчи суворийсининг барчасини бир ерга йиғиб, яна йигирма минг нафарини қорақазон ва навкар расмида сафарбар қилиб, Бозорчи келтирганидан ташқари ҳаммаси бўлиб қирқ минг кишини тўла ҳашамат билан 1236/1821 йили Ўратепа томон йўналди. **Маснавий:**

Чун хусрави меҳр аз сари нав,
Бар буржи ҳамал фиканд партав.
Афрохт барои нек хоҳи,
Дар авжи шараф ливои шоҳи.
[Қуёш подшоси янгидан бир бош,
Ҳамал буржиге нур сочди яна.
Яхши ният йўлида кўтарди,
Шараф авжида шоҳлик туғин].

Хуллас, шу янглиғ Фарғона мамлакатининг барча лашкарини йиғиб, подшоҳлик шону шавкати ичра неча бир дабдаба билан Ўратепа тарафга юзланди. Бир манзилдан сўнг Конибодом мавзесига кириб борди ва шу ерда қўш ташлаб, фалак ҳашаматли чодирда фаридунлик бахту толеъси ва жамшидлик шавкату шукуҳу савлати билан надимлари даврасида ўтирди. Такдирни қарангки, узоқдан бир одам жуда шошилганча келмоқда бўлиб, ўтирганлар кўзи унга тушгач, ҳар ким бир фикр билдирди, амир ҳам ушбу **байт**ни ўқиди:

Ё раб, ин шахсро чи афтода аст,
Ки бад-ин изтироб меояд.
Ҳеч маълум нест к-зи чи сабаб,
Ин чунин бо шитоб меояд.
[Эй худо, бу одамга нима бўлган
Ки бу янглиғ изтиробда келур?
Билмадик, ахир не сабабдин у,
Бундай тезлигу шитобда келур?]

Ул киши чодирга яқин келгач, *удайчи* ва *шигову*ларни олдига чиқариб, амир хизматиға келтирдилар. Шу заҳоти суюнчи сўраганча, қуйидаги сўзларни: – Бухорода амир Ҳайдар подшоҳ ўзининг катта ўғли Ҳусайн тўра билан ёвлашиб қолибди. Ўзбек қавмининг бариси бош кўтариб, Миёнкол¹⁵⁸⁷ теграсида оддий халқ исён қилибди¹⁵⁸⁸. Натижада, қипчоқ-хитой, қорақалпоқ жамоаси иттифоқ бўлишиб, Самарқанд ҳокими Давлат *қўшбегини* Янги кўрғон қалъасида ушлашибди ва молу мулкини талон-торож қилишибди. Энди эса Самарқанд мамлакатини ҳам қўлга киритиш кўйига тушибдилар, -дея амир арзига етказди. Шу гапларни айтаркан, ҳалиги одам тиз чўкиб, яна амир Умархон хизматиға қуйидаги сўзларни ҳам қўшимча тарзда: – Хўжанд ҳокими Шоҳи *парвоначининг* бир нечта тилчилари жуда тезлик билан неча масофани босиб ўтиб, Чўпор кўриғи мавзесида қорақалпоқ жамоасидан бир кишини ушлаб олиб, ҳозир даргоҳингиз остонасини ўпиш учун келишмоқда. Бу арзингизга етказган гапларимни ўша қорақалпоқ киши айтмоқда, – дея арз қилди ва

¹⁵⁸⁷ Миёнкол – Самарқанднинг ғарбида Оқдарё ва Қорадарё оралиғидаги Катта кўрғонгача бўлган ҳудуд.

¹⁵⁸⁸ Миёнколдаги хитой-қипчоқлар кўзғолони 1824-25 йилларда бўлиб ўтган.

бошини ерга суриб, сўнг ўрнидан турди. Бирор фурсат ўтгач, тилчилар мазкур асирни амир хузурига олиб келдилар. Амир бўлиб ўтган воқеани суриштирди. Ул банддаги одам бўлган воқеаларнинг барисини бафуржа амир хузурида сўзлаб берди. Хабарнинг ростлиги шу йўсин аниқлангач, амир Умархон уларни эшитиб, гул каби очилиб кетди. Дарҳол ноқора чалдириб, ўтирган манзилдан кўзгалганча бир кўчдан сўнг Хўжанд вилоятига кириб борди. Икки кун шу шаҳарда туриб, лашкар ва отлар йиғдирди ва учинчи куниси худо паноҳидаги амирнинг ғалаба белгили туғи субҳоний иноят остида Хўжанд вилоятидан кўчиб, Жиззах ва Самарқанд юриши учун кўзгалди ва зафар дастгоҳли сипоҳ ўт-ўланлар, лола каби дашту тоғ атрофини ўраб олиб, замину замон узра зилзила солди.

Маснави:

Сипоҳи хидеви музаффар ливо,
Бижунбид чун баҳри Хазар аз жо.
Зи сар то қадам ғарқи оҳан ҳама,
Дилу жон пур аз кини душман ҳама.
[Шоҳнинг ғалаба туғли кўшини,
Хазар денгизи каби жойида кўзгалди.
Бош-оёқ кўмилган темир қурол, совутга,
Барчаси дилида душманга қарши қасос ўти].

Ўша аснода саййидлик паноҳи Маҳмудхон Қўштегирмон¹⁵⁸⁹ кўрғонидан амир истиқболи сари чиқиб, Оқтепа мавзесига келди ва амиру лашкарни дуо қилиб, ғалаба тилади. Бу пайтда у оғир касалга чалинган эди. Аммо, шу касаллигига қарамай, сафардан қолмади. Амир Умархон Ўратепа қалъасини чап томонда қолдириб ўтганча йўл босиб, Сайхун дарёси қирғоғидаги Хайробод мавзесига тушди. **Байт:**

Наҳанг он аст ки бо дарё ситезад,
На онки оби рўй бар жўй резад.
[Денгиз билан олишган наҳангдир,
Обрўсини ариқда сузиб юкотган эмас].

Эртаси куни у ердан кўчиб, яна икки манзилдан сўнг Жиззах қалъасидан бир фарсахлик ерда жойлашган «Чаҳорбоғи девона» деган мавзегга кириб борди. Амир мавкабининг ходимлари ўша кечаси тонг отгунга қадар боғнинг бир томони Ўратепа ҳокими биродарим амирлик паноҳи Муҳаммадраҳим *девонбеги* худудига, яна бир томони эса Жиззахдаги илғор кучларига яқин бўлгани учун олий буйруққа кўра эҳтиёткорлик ва посбонлик расмини адо этиб чиқдилар ва фармонга биноан жанг асбобларини ҳам тайёрлаб, ўзларини уруш майдонига кириш учун ҳозир у нозир тутдилар. Эртаси тонгда оқ туғли жамшид, яъни юлдуз ҳашамли куёш жанг учун зафар аломатли олтин рангли жавшанини эгнига ташлади ва қадамини айланувчи осмон майдони фазоси узра кўйиб, тун сипоҳини мағлуб қилганча қоронғулик лашкарини тумтарақай қочирди.

Амир Умархон мурассаъ безакли холдор чехра дубулғасини бошига қўндирди, «оқ тўн» номли холдор чехра совутини эгнига кийди ва ой юришли «Хумо кўк» отлиғ отига ўтириб, юрт олувчи лашкарни жойлаштириш учун юзланди. Бурунғорда Марғинон ҳокими Қурбонбек *додхоҳ*, Андижон ҳокими Исо *додхоҳ*, Шаҳрихон ҳокими Жиловдор *иноқ* ўзларига ёрдам берувчи жасоратли бир гуруҳ билан ҳиммат камарини боғлаб, фатҳ оятли туғни ҳилпиратишди. Ғалаба аломатли байроқнинг жувонғори Тўрақўрғон ва Намангон ҳокими Эрназар *девонбеги*, Чуст ҳокими Хушвақт *қўшбеги*, Хўжанд ҳокими Шоҳи *парвоначининг* тўла шавкати билан мустаҳкамланди. Ясор қисми учун зафарга ёр қўшин тайинланди. Тошканд ҳокими Лашкар *қўшбеги*, Қурама ҳокими Муҳаммадшариф *додхоҳ*, Нав ҳоким Довул *парвоначи* қаровул қисмига қўйилдилар. Бошқа амиру *сардор*лар амир Умархон билан бирга қутлуғ байроқ сояси остида турдилар. Шу тартиб ва услуб билан даштни кезар самандни жавлон урдириб, Жиззах қалъаси сари юзландилар ва қалъани «мим» доираси каби ўраб олишди. Сўнг қалъанинг тўрт томони бўйлаб қўш ташлаганча, манжаниқ, ароба ва қамал ишининг бошқа асбоб-олотини тайёрлашга киришдилар. Эртаси куни олтин қанотли офтоб рубъи маскунни ўз остига олгач, амир Умархон ўз ташаббуси билан жасорат юзасидан қалъанинг юз қадам еригача яқин борди ва битта девор устига чиқиб, чордана қуриб ўтирди. Сўнг Фарғонанинг барча лашкарига, ҳар одам бошига биттадан дарахт шохаси бандини кесиб, олиб келиб ўзи олдига ташлашни буюрди. Бу вилоятда дарахт ниҳоятда кўп ўсарди. Лашкарнинг кўплигидан тўрт соат мобайнида ён-атрофда дарахт тугул тиш қовлаш учун бирон хас-хашак ҳам қолдирмай йиғишди ва бу уруш талаб муборизлар дарахтлар шохини кўтариб югурганча, қалъа ёнига элтиб ва яна орқага қайтиб туришди. Афсуски, бу хатарли иш асносида жуда кўплар душман ўқиға учишди, нечалар ярадор бўлишди. Бу

¹⁵⁸⁹ Қўштегирмон – ҳозирги Бағдод туманидаги (Фарғона вилоятида) Қўштегирмон қишлоғи.

шоҳ-шаббалардан амирнинг олдига ҳам олиб келиб ташлаб, шоҳлардан тоғ уюми яшашган эди. Қалъа аҳли эса ташқарига қараб ўқларни худди ёмғирдек ёғдирмоқда эдилар. Барча амирлар ва надимлар амирнинг ёнида эдик. Амирнинг Маҳмуд исмли бир югурдаки бор эди. Амир оғзига дамба-дам чилим тутиб турарди. Тасодифдан бир ўқ учи келганча ана шу хизматкорнинг пешонасига тегиб, қулатди ва қўлидаги чилими ерга тушди. Буни қарангки, яхшиям, шу туфайли ўқ амирга тегмай қолди. Маҳмудни четга олиб чиқдилар. Бироз фурсатдан сўнг ўзига келди. Қаттиқ ярадор бўлган экан. Амирлар бу ҳолни кўргач, ўйга толдилар. Ҳеч бирининг амирга гап айтишга юраги бетламасди. Ноилож, имо-ишора билан қиблагоҳим сари юзланишди. Жаноб саййидлик паноҳи гўстохлик юзасидан ўрнидан туриб, амирнинг қўлидан ушлади ва «эй шоҳ, бу каби ҳаракатни оқиллар шижоат жумласидан санамайдилар, марҳамат қилиб, урушни четроқдан кузатсангиз яхшироқ бўларди» деди. Амир отам жанобларининг сўзини маъқул кўриб, девор панасига ўтиб ўтирди ва хос чодирини шу ерга келтириб тикишларини буюрди. Бу сўзларни амир оғзидан эшитган яқинларнинг барчаси ҳайрат ва ташвишга тушдилар, аммо, индамай, саропардани дарҳол амир айтган каби қилиб ўрнатдилар. Ўша куниси амир олдидаги қўшин кишилардан ўлган ва ярадор бўлганлар сони беш юз нафарга етди, *сардор*лар сафидан ҳам жуда кўплар жароҳат олишди. Барчамиз амир ёнида бу кўрқинчли ва ваҳимали манзилда минг бир ваҳшат ва даҳшат ичида турардик. Тунда ҳам қалъадан отилган тўфанг оташи бир нафас тинмади. Амир ўтирган чодирнинг ярмидан юқориси бемалол кўриниб турарди, ўша қисмига замбарак сочмалари келиб тегиб, чодир тепаси худди осмонни қоплаган юлдузлардек ғалвирак бўлиб қолди. Ўша кечаси амир «тонггача зафарга ёр муборизлар шоҳчалар дасталарини олдинга элтиб, ўнгу сўлдан кўчабанд ва тепаликлар ясаб, тун қоронғусида чумоли кўзини ҳам нишонга олувчи мерганларни ўша ерга қўйишсин, манжаник, ароба ва тўпларни ҳам ҳам ўша ерга олиб боринглар» деган буйруқ берди. Эртаси куни қалъа халқини чунонам тўплардан ўққа тутишдики, Жиззах шаҳри устида тўп ўқлари худди ёмғирдек ёғарди. Ҳеч кимнинг қалъадан бош кўтариб қарашга имкони қолмаганди. Бу маҳалда қалъа деворлари билан ҳалиги кўтарилган тепаликлар орасида эллик қадамча масофа бор эди. Гўрков, яъни лаҳм қазувчилар ҳам нақб қазиб, қалъа тагидаги чуқурга етказган эдилар.

Ўша кезларда Жиззах ҳукуматига амир Ҳайдар подшоҳ томонидан Ҳаким *қўшбегининг* укаси Абдурасул *додхоҳ* тайинланган бўлиб, айна пайтда бу гўрсўхта одам мардлик намунасини кўрсатганча қалъани ҳимоя қилаётган эди. Аммо, унинг ўзига қолса қалъа сақловчилик ишидан шу қадар безор бўлган эдики, айна уруш чоғи ўтказган ҳар бир кунини ҳаёт ўрнида санамасди. Шу аснода давлат катталари йиғилишиб, амир Умархон ҳузурида ушбу сўзларни арз қилдилар: – Неча йиллардан бери бу каби ҳодисалар ушбу бузғунчи оламда рўй бериб келмоқда. Ҳозир эшитишимизча, Дониёл *оталиқ* манғит амирига қарашли етти қалъани олиб, Қарши шаҳрини ҳам қийин аҳволга солиб қўйибди. Урганж жамоаси эса Муҳаммадраҳимхон фармонида биноан Бухоро шаҳригача ерларни босқин-чопқин қилиб, ҳатто, шаҳар дарвозасига ўт қўйибди. Хитой-кипчоқ, қорақалпоқ ва барча ўзбеклар Миёнколда кўзғолон ва исён кўтариб, Самарқанд ҳокими Давлат *қўшбегини* ҳибсга олиб, Самарқандга қўл солишибди. Амир Ҳайдар подшоҳ уйида қамалиб қолибди. Давлат ишига яроқли ва маъқул иш шуким, амир жаноблари бу мустаҳкам қалъа тугунини ечиш устида бош қотириб ўтирмасдан, яхшиси, дарҳол Самарқанд томон юзлансалар. Агар бу ишда сусткашлик қилсалар, пушаймонликдан ўзга нарса рўй бермаяжак. **Мисраъ:** Чаро оқил кунад коре ки бор орад пушаймони (Ақлли одам нега меваси пушаймонлик бўлгувчи ишни қилиши керак экан].

Булар шу гаплар устида турган айна чоғда хитой-кипчоқ, қорақалпоқ катталари шерни қулатувчи минг нафар жангчи йигитлари ҳамроҳлигида Давлат *қўшбегини* кишанбанд қилганча бир қанча тортиқ ва подшоҳона мол-мулк, совғалар билан амир узангисини ўпиш шарафига етишиб, кўриниш расмини адо этдилар. Улар ҳам бор сайъ-ҳаракатлари билан «агар адолат паноҳ жаноблари шон-шавкат ва савлат билан отланиб, Бухоро сари юзлансалар, шу тобда ул мамлакатда амир ҳазратларининг ой узангисига қаршилиқ қилишга қодир бирон кимса топилмайди» дея арз қилдилар. Бечоралар бир эмас, икки-уч мартаба илтижо қилиб, шу сўзлар билан қайта-қайта амирга ёлвордилар, фойдаси бўлмади. **Байт:**

Шуд паямбар ба машварат маъмур,
Ту чаро з-ин тарик дур боши.
[Пайғамбар ҳам маслаҳатга солган кулоқ,
Нега сен бу ишдан тутасан ўзингни йироқ].

Ўша аснода Шаҳрисабздан Дониёл *оталиқ* олдидан енгил юрар қосидлар кетма-кетма хат келтиришди. Хат мазмуни ҳам амирлар илтимосидан иборат бўлиб, ҳатто унда Дониёл *оталиқ*нинг ушбу **байти** ҳам ёзилган эди:

Ҳама кори жаҳон номусу нанг аст,
Вагарна ним нон рўзийи тамом аст.
[Жаҳоннинг бари иши ор-номус учун,
Бўлмаса ярим нон билан ҳам кечар кун].

Ишқилиб, худонинг ўзи хоҳламаган экан, бу сўзларнинг ҳеч бири амирга кор қилмади. Ўша кунлари камина саййидлик паноҳи Маҳмудхоннинг касалини кўриш учун унинг чодирига борган эдим. Жаноб қиблагоҳим эшон Султонхон ва Маҳмудхон ҳам мазкур маслаҳатни жуда ҳам маъқуллаб, мен орқали арз қилганча амир ҳузурига етказдилар. Камина бориб, амир ҳузурида ўтинчли илтижо билан давлатхоҳлик ва гўстохлик юзасидан арз қилдим. Ниҳоят, амир бу гал гапимизни қабул қилди. Энди буни қарангки, айна ўша чоғда Қосим *оталиқ* исмли бир кўрқоқ ва Юсуф *парвоначи* номли бир аблах кўрқувдан қалтираб-қақшаб амир ҳузурига кириб, душманлик мақомидаги Муҳаммад *девонбеги* сингари ботир саркардани ортимизда қолдириб ва Жиззах каби мустаҳкам қалъани ўз ҳолига ташлаганча беш-олти нафар хитой-қипчоқнинг сўзига кириб, куёш тожли жанобнинг эҳтиёт деган тадбирни бутунлай унутганча душман ўртасига кириб бориши хикматдан узоқ кўринади, дейишди. Амир Умархон бу сўзларни эшитиб, чуқур ўйга толди ва ҳар қалай, Бухоро давлатини фатҳ этиш унга ризқу насиб этилмагани сабабли мазкурларнинг сўзи таъбига мақбул тушиб, ул тарафларга юриш сафарбарлигига монъелик қилди ва ўзининг мамлакат олувчилик ишини тўхтатди. **Байт:**

Давлат на ба иктисоби илму ҳунар аст,
Вобастаи аҳкоми қазову қадар аст.
[Давлат илму ҳунар ўрганиш билан эмас,
Худо тақдир айлагани билан қўлга киради].

Аммо, эртаси куни мен ва Али Муҳаммадхон модага катта лашкар билан Самарқанд вилоятини олам яратувчисидан сўраб олишимизни буюрди. Биз бу хушxabарни эшитиб, жуда хурсандчилик билан топшириқни бажариш ишларига киришдик. Аммо, яна ўша йўлтўсар каззоб амир ҳузурига кириб, бундай хатарга кон жойда зафар аломатли кўшинни иккига бўлиш ҳам ақлга тўғри келмайди, дейишибди. Амир тагин уларнинг гапини қабул тутиб, бизлар учун ҳам юриш сафарини бекор қилди. Эртасига эса хитой-қипчоқ ва қорақалпоқ амирларининг ҳар бирига ўз мавқеларига қараб амал ҳамда олий саруполар улашди. Биродарим Исҳоқ *девонбегига* эса ёрлик бериб, хос либос ва олтин жабдуқли от, турли-туман мато ва асбоблар инъом қилиб, амирлик йўсини билан уларга ҳамроҳ этиб юборди. Ўша кезларда хитой-қипчоқ орасида Аннакул *додхоҳ* ва Момирбийни ҳоким кўтариб қўйишган эди. Амир уларнинг ҳар иккаласини ҳам *парвоначи* қилди ва эғнидаги либоси, тилло жабдуқли отини бериб, Исҳоқ *девонбегига* қўшиб юборди. Исҳоқ *девонбеги* у ерга бориб, амирлик ўриндиғига ўтирди.

Айни маҳалда Жиззах шаҳри аҳолиси ичимлик суви етишмаслигидан жуда қийналиб қолишган эди. Бир куни ноиложликдан беш юз нафар урушқоқ киши билан қилич яланғочлаб, ташқари чақишди ва Шаҳрихон ҳокими Жиловдор *иноқ* устига ташланишди. Орада чунонам қаттиқ олишув рўй бердики, ўликлар уюмидан тепаликлар ҳосил бўлди. Баҳодирлар қонидан жанг майдони тупроғи хино боғлади. Уч соат давомида ҳар икки томондан камон ва тўфангдан отилган ўқлар майдон узра худди ёмғир ва жола каби ёғилиб турди. Анча уруш ва муҳорабалардан сўнггина ҳар икки лашкар бир-биридан ажрашди. Жиловдор *иноққа* учта ўқ текиб, иши битган экан. Уч кундан кейин ул уруш майдонининг мардонаси фоний дунё билан хайрлашиб, охират сари юз тутди. **Байт:**

Баҳори умр бaсе дилфаребу рангин аст,
Вале чи суд ки дорад хазони марг аз пай.
[Умр баҳори жуда дил алдовчи, рангин эрур,
Лек не фойда, кетидан ўлим кузи келур.)

Булар ҳам етмай тургандек, кўшин ўртасида ҳар юзадан қаҳатчилик бошланди. Хусусан, тамаки етишмовчилиги шу даражага етдики, кимнинг бир отим тамакиси бўлса, юз тиллога сотди. Ўзим ҳам бир чилим тамакини бир отга алиштирдим. Иттифоқо, ўша куниси амир ҳузурида ўтирган эдим. Мирзо Раҳим *парвоначи* бир халтача келтириб, амир олдига қўйди. Тахминан юз мисқол эди. Амир Умархон юраги амирлик паноҳининг бу ишидан қувончларга тўлди ва унга ўзи ўтирган ўриндиқдан жой кўрсатди. Чунки, амир Умархонда ҳам тамаки қолмаган ва тамаки эвазига *парвоначи* амирини шунга лойиқ кўрганди. Ўша аснода гўстохлик юзасидан амир Умархоннинг кўзини шамғалат қилиб, ўша тамакидан бир ҳовуч олдим ва бироздан сўнг ташқари чиқдим. Муҳаммадалихон мода жуда ўтиниб, мендан тамаки сўради. Қўлимдаги тамакидан тўртдан бирини унга бердим. Қолганини эса ёнимда сақлаб, жуда эҳтиёт қилиб чекиб юрдим. Чунки, тамаки зоти анқонинг уруғига айланиб, қадри шу даража кўтарилган эдики, бир чилим ўтласалар, ҳеч муболағасиз уни юз киши чекар эди. Ўшанда қамал муддати ўн саккиз кунга чўзилганди. Амир

қараса, бу қалъани қамал қилишдан ҳеч бир наф чиқмайди. Шундагина биринчи маслаҳатнинг энг афзал йўл-йўриқ бўлганини англаб етди ва ўз қилмишидан пушаймон бўлди. Бироқ, энди бу афсус-надоматлар ҳеч бир фойдасиз иш эди. **Байт:**

Даст бар даст мезанад ки дарег,
Нашинидам ҳадиси донишманд.
[Афсусда кўлини кўлига уриб дер:
Донишмандлар сўзини тингламадим].

Гапнинг қаймоғи шуким, амир яхшилаб ўйлаб кўрса, иш аллақачон кўлдан кетган. Эртаси куни ноилож эзилган ва бўйнини эгган кўйи Давлат *қўшбеги*ни кишанлаб, ўз ёнига солганча дор ас-салтана Хўқанд сари қайтишни буюрди. Тўрт кўч юргач, Хайробод мавзесига етдик. Эртасига у ердан ҳам кўчиб, Хўжанд сари юзландик. Йўл асносида жуда кучли шамол кўзғалиб, биров-бировни танимай қолди. Ҳар ким ўз ҳолича кетаверди. Шу зайл йўл юриб, амир ёнида Қўштегирмон қалъаси олдида етишдик. Ўша қиёмат куниси биродарим саййидлик паноҳи Маҳмудхон барча аъзои бадани шишиб кетган касал бўлишига қарамай, кўшиндан олдинроқ келиб, амир Умархонни кутиб олди ва ўз қалъасига таклиф қилди. Амир кулди, аммо, ҳеч нарса демади. Саййидлик паноҳининг иши тугаб қолганини сезиб турганди. Чунки, шу тобда саййид Маҳмудхондан беихтиёр равишда ярашмаган ҳаракатлар юзага чиқиб, унинг оғир аҳволини ошкор қилаётганди. Фақирга қараб, айт, саййидлик паноҳи безовта бўлиб, ўзларини кўпам уринтирмасин, қалъасига қайтсинлар, деди амир ва ўзи тезлик билан юриб кетди. Аср намозидан олдин Хўжанд шаҳрига тушди. Ўша куниси Давлат *қўшбеги* оёғидан кишанларни ечиб, унга бир сидра сарупо ва эгар-жабдуқли от инъом қилди. Сўнг уч кун давомида мазкур шаҳарда йўл чарчоғини ёзди. Тўртинчи куни отланиб, мақсаду манзили сари юзланди. Уч манзилдан сўнг ўз давлатхонасига бориб тушиб, юртнинг адолати ва арз сўраш ишлари билан машғул бўлди.

Саййидлик паноҳи Маҳмудхоннинг вафоти зикри

Ўша кезларда саййидлик паноҳи Маҳмудхоннинг касали борган сари оғирлашиб, қалъани амир давлатининг одамларига топширишга ва ўзи эса Хўқанд сари юзланишга мажбур бўлди. Беш кундан сўнг шаҳарга келиб кирди. Эртаси куни бу дорулфанодан дорулбақога кўчиб ўтди. Ўша пайтда саройдаги барча шоирлар амирнинг надими Муҳаммадюсуф *тунқотар* ихтиёрида бўлиб, гарчи бу одам омий халқдан чиққан бўлса-да, мудом яхшилар суҳбатидан баҳра олиб, ушбу **рубой** нақлига кўра гоҳида ўзи ҳам шеърлар машқ қилиб турарди:

Як чанд рўз сўхбати некон кун ихтиёр,
То таъби некўят зи самак то само шавад.
Нашинидаи ки ҳар чи ба кони намак фитад,
Дар саҳл рўз бигзарад, он ҳам намак шавад.
[Бир неча кун сен яхшилар суҳбатида бўл,
Токим таъбинг ердан осмон сари ўссин.
Эшитмадингми, неким туз конига тушса,
Кўп вақт ўтмай у ҳам тузга айланур].

Мазкур *тунқотар* саййидлик паноҳи вафотини эшитиб, ушбу туркий **таърих**ни ёзган эди:

Шуаро таъби софидин ҳазён
Бўлди таърихи рихлати жорий.
Тунқотар айди оҳу воҳ била,
«Ўлди Маҳмудхон Аҳрорий»

Яхши айтган. Ҳақиқатдан ҳам демишлар, **қитъа:**

Гардун дар офтоби саломат киро нишонд,
Ки охир чу субҳи аввалаш андак вафо накард.
Хайёти рўзгор ба болои ҳеч кас,
Пироҳане надўхт ки охир қабо накард.
[Фалак саломат офтоби узра кимни қўйибдики,
Тонг отган маҳали озгина вафо қилган бўлса.
Турмуш тикувчиси ҳеч кимнинг устига,
Бир умрга етгулик кўйлак тикиб берган?]

Эртаси куни амир ул саййидлик паноҳининг жанозасига борди ва Хўқанднинг барча амиру фуқароси ҳам йиғилиб, саййид Маҳмудхонни катта ҳурмат билан элтганча, ўзлари дахмасига дафн

этдилар. Саййидлар орасида у киши каби давлат ишига аралашган ҳеч бир сипоҳи ўтмаган. Қилган ишлари жуда кўп. Қай бирини айтсак ҳам, сўз анча узоққа чўзилади. Ишларидан биттаси шу эдиким, Худоёрбий валинеъматнинг биродари Бобо *девоубеги* замонида у Фалғар вилоятидаги Урметан қалъасига ҳоким эди. Ўша даврда Бухорода Шоҳмуродбий валинеъмат замонаси бўлиб, Самарқанд ҳокими бўлмиш Мир Хусайнбек ибн Шоҳмуродбий ва Шоҳмуродбийнинг жияни Муҳаммадсӯфҳожа мазкур валинеъмат амри билан кўп лашкар тортиб, Кухистон тарафга юзланишади. Бир неча масофани катта қийинчилик ва машаққат билан босиб ўтгач, саййидлик паноҳи Маҳмудхон устига бостириб келишади. Саййид Маҳмудхон бундан беҳабар ўтиргани сабабли ёнида бир неча шогирдпеша кишидан бошқа урушга яроқли кишиси бўлмай, манғит лашкари ҳам қалъани қамал қилиб, урушни бошлаб юбордилар. Ўша куниси ёмғир ҳам шаррос куя бошлаган. Аммо, саййидлик паноҳи қалъага қамалиб ўтиришни ўзига эп кўрмай, ноилож ўн саккиз нафар кишиси билан пиёда ташқарига чиққан ва ул чексиз сонли лашкар билан уруша кетган. Бир зумда бир неча душманни ер тишлатган. Шунда узоқдан тўпланишиб келаётган тоғ халқи кўриниб қолиб, манғит лашкари ўз-ўзидан ваҳимага тушади ва тум-тарақай қочиб, изларига қайтиб кетишади. Бу ҳолни кўрган саййидлик паноҳи уларни кўйвормаслик учун олға босади. Анча уруш ва жанглардан сўнг уч юз кишини асир олиб, нечтасини ҳалок этади ва фатҳу зафар билан ўз қалъасига қайтиб келади. Саййид Маҳмудхоннинг шижоатини шу биргина воқеага қиёс қилиб билса ҳам бўлади.

Амир Умархоннинг биродарим саййидлик паноҳи Жаҳонгир хожани қамоққа олгани зикри

Саййодатпаноҳ Маҳмудхон вафотидан бир неча кун ўтгач, биродарим саййидлик паноҳи Жаҳонгирхожа файз кўнглига яна Кошғар вилоятини эгаллаш ҳаваси тушиб, қочишга ошиқиб, ҳатто, шаҳар ташқарисига чиқиб улгурган маҳал амир Умархон бу воқеадан хабар топиб, орқасидан одам юборди. Саййид Жаҳонгирхожа қараса, бу галги уринишидан натижа чиқадиган эмас, ноилож, бошқа йўл билан қайтиб, шаҳарга кирганча, уйига келиб, ўзини ҳеч нарса билмаганга солиб ўтирди. Шунга қарамай, воқеа аслидан боҳабар бўлган амир хожанинг пинҳоний нияти ва келажакдаги ҳийласидан хавотирга тушиб, саййидлик паноҳини укаси Муҳаммадхожа билан бирга келтириб, қасрига яқин ердаги ҳовличада қамаб қўйди. Соқчи сифатида эса юз нафар афғонни саййидлик паноҳларини кўриқлаш учун тайин қилиб, саййид Жаҳонгирхожа ёнидан пашша ҳам учиб ўтмасин, ҳеч ким тамаки ёки нашага ўхшаш нарса элтиб бермасин, акс ҳолда моли мусодара ва калласи танасидан жудо бўлади, дея буйруқ берди. Амир хизматкорлари кунига бир марта овқат ва таҳорат суви чиқариб туришди. Шулардан бошқа ҳеч кимнинг бу ҳовличага қадам босишга юраги дов бермасди. Амирнинг ғазаби шу даражага етган эдики, шу тобда саййидлик паноҳининг барча биродарлари ундан юз ўгирган эдилар. **Байт:**

Ба ҳар жо по ниҳодам пои умедам ба санг омад,
Ба ҳар кас лофи як ранги задам, охир ду ранг омад.
[Қаёққа оёқ боссам тошга тегди у доим,
Садоқат кўрсатсам кимга душманлик чиқди олдимдан].

Биродарим Жаҳонгирхожа ҳаддан ташқари афюн ва кўкнори истеъмол қилгани учун қийин аҳволга тушиб қолди. Айниқса, биринчи кеча ва кундузни неча азобу машаққатда ўтказди. Эртаси кун амир олдидан саломдан қайтар эканман, иттифоқан, фақирнинг ўтиш жойи ўша ердан тушиб, биродарлик ва қариндошлик ҳаққи этагимдан тутгани учун саййидлик паноҳини кўрмасдан ўтиб кета олмадим. **Байт:**

Дўст он бошад ки гирад дасти дўст,
Дар парешонҳоли-ю, афтодаги.
[Дўст кўлидан унинг қийинчилик
Пайтида ушлаб турган кишигина дўстдир].

Ноилож, ўша томон юзландим. Ҳовлича эшигига етишгач, Миррих¹⁵⁹⁰ ҳайбатли афғонлар ва дев кўринишли ғуломлардан ҳар бирининг кўлида гурзи, ханжар ва ойболта ушлаб ўтирганини кўрдим. Ул дев сийратлар мени кўриб, ўрнидан сакраб туришди ва салом беришди. Қарашса, фақирнинг саййидлик паноҳини кўриш орзуси бор. Дарҳол уларнинг каттаси олдимга келиб, қаршилик кўрсатганча, агар жаноблари саййидлик паноҳи хузурига ташриф буюрмоқчи бўлсалар, бизларнинг бошимиз елга совурилади ва молимиз талон-торож бўлади, деди. **Байт:**

Чун туро андар ҳарими қурби худ раҳ дод шоҳ,

¹⁵⁹⁰ Жанг худоси Миррих (Марс, Баҳром) сайёрасига ишора.

Аз нафири парда ва аз таъни дарбон ғам махўр.
[Шох сенга ўз яқин ҳарамиди жой берган экан,
Парда нафрати ва посбон ғазабидан ғам ема].

Фақир ул малъун жавобида дедим: – Ҳа, тўғри айтасан, сенинг нопок бошингни амир бу сўзларингни эшитгач шартта кесиб ташлаши айни ҳақиқат ва албатта амалга ошадиган гап. Аммо, мен эсам ҳозироқ каллангни нопок танангдан жудо қиламан, – дедим. Каминадан бундай жавобни эшитган ул номусулмон қараса, ўт билан ўйнашмоқда. Ноилож, бўйнини эгиб, жойига бориб ўтирди.

Байт:

Сахтгўро сухани сахт ба ислоҳ оварад,
Чирки пирохани пўлод ба собун наравад.
[Қўпол гапирувчини қаттиқ гап йўлга солади,
Темир совут кири совун билан кетмайди].

Фақир саййидлик паноҳи олдиға кириб бордим. Биродаримнинг кўзи менга тушгач, йиғлаб ўрнидан турди. Бир-биримизни бағримизга босиб кўришдик. Менинг ҳам хўрлигим келиб, алар ҳолиға боқиб йиғлашга тушдим ва ушбу байтлар тилимдан жорий бўлди. **Назм:**

Кулбаи эҳзон шавад рўзе гулистон, ғам махўр,
Бишқуфад гулҳойи васл аз хори ҳижрон, ғам махўр.
Гар чу гардун аз бади даврони ў саргаштаи,
Ояд ин саргаштаги рўзе ба поён, ғам махўр.
Ҳар ғамро шоди дар пай бувад дилшод дор,
Ҳеч дарде нест к-ўро нест дармон, ғам махўр.
Бе саҳар ҳаргиз намонад шом бесабри макун,
Ҳарчи душвор аст рўзе гардад осон, ғам махўр.
[Бир кун ғамли кулба гулистон бўлғуси, ғам ема,
Ҳажр тиканидан васл гуллари униб чиққуси, ғам ема.
Унинг ёмон даврида гардун каби саргаштасен,
Бу саргашталиқ бир кун келиб охириға етгуси, ғам ема.
Ҳар ғам ортида шодлик бор, дилинг шод тут,
Дармонсиз дарднинг ўзи йўқ дунёда, ғам ема.
Саҳарсиз қолмағай ҳеч бир тун, сабрсизлик этма,
Неки бўлса қийин, бир кун осон бўлғуси, ғам ема].

Шу ҳол устида *маҳрамим*га чилим келтиришни буюрдим. *Маҳрам* чилим келтирмоқчи бўлган пайтда ул лаънатилар қўйишмади. Аммо, бир неча гаплашувдан сўнг чилимни келтирди. Ул саййидлик паноҳларининг кўзи чилимга тушгач, танларига қайтадан жон киргандай бўлди ва икки биродар чилимни навбатма-навбат бир-бирининг қўлиға тутқазганча чунонам чекишдики, чилимнинг суви ҳам ўт олишиға оз қолди. Мендан эса йиғи кайфияти узоқлашиб, шундай кулгим келдики, ўзимни хоҳолаб кулишдан зўрға тийиб турдим. Чилимни келтиришимдан олдин саййидлик паноҳи нашаға хуморини мендан яшириб турган эди. Вақтини топиб «энди ҳам дилдаги асл истакни бекитмоқчимисиз ёки бўйнингизга олаверасизми» дедим. Бу сўзимни эшитгач, хижолат бошини қуйи солиб, сўнг деди, **мисраъ:** Ончи ки аён аст, чи ҳожат ба баён аст (Аён нарсани баён этишға ҳожат йўқ); Дарҳол *маҳрамим*га «яшириб, озгина афюн келтир» деб буюрдим, у ҳам тезда олиб келди. Саййидга бердим. Каминадан, гўё олмоқчи бўлиб юрган Кошғардаги ўша еттита шахрини шу ердаёқ оёғи остига ташлаганимдек, десам ёлғон бўлади, балки, етти иқлимни ҳузурида муҳайё қилганим сингари хурсанд бўлди. Саййидлик паноҳлари ҳузуридан қайтгач, хожиблар бўлиб ўтган воқеани оқизмай-томизмай бир-бир амир Умархон ҳузурида арз қилишибди. Амир ғойибона тарзда мендан хафа бўлиб, ғазабланибди. Уч кундан сўнг амирнинг пири, балки бутун Хўқанд амирлари муршиди бўлмиш жаноб ҳидоят паноҳ эшон Зокирхожа қиблагоҳ отам маслаҳатига кўра амир олдиға бориб, ҳар икки саййидлик паноҳига кафил бўлганча уларни қамоқдан чиқариб олдилар. Ва амир Умархон саййидлик паноҳларини ташқарига сиқармади, тўппа-тўғри у ердан кўчиртириб, аркка келтирди. Албатта, саййидлар арк ичида бемалол ўз ҳолича эмин-эркин юришди.

Амир Умархоннинг Тўрақўрғон ва Намангон, Косон мамлакатига дам олиш учун боргани зикри

Келгуси йили қиш фасли ниҳоясига етиб, совуқ шиддати пасайгач, баҳор айёми сабзанинг бедод ханжарига сув бериб, ғунча пайкони насим қўлида ишқалангач, тикан найзасининг учи гул

бешигини ҳимоя қилиш учун тургач, гулнинг заркуб қалқони баҳор булутининг ёмғири ўқи олдини тўсгач, амир Умархон амирлари ва *маҳрамлари*, *ясовуллари* билан бирга неча бир дабдаба ва шавкат ичида ул тарафга юзланди. Исмат пардаси ортида ўтирганлар ва ой баданли канизаклар ҳам амир орқасидан йўлга тушиб, ул вилоят сари ирода қилдилар. Ўша куниси ул тарафларнинг энг катта қишлоғи саналган ва каминага тааллуқли Бачқир қишлоғи¹⁵⁹¹ га бориб тушдилар. Шу оқшоми фақир қўлдан келганча, аммо, бекаму кўст равишда меҳмондорлик расмини адо этдим. **Байт:**

Назар кардан ба дарвешон манофи нест бар бузурге,
Сулаймон бо ҳама ҳашмат назарҳо дошт ба мўраш.
[Дарвишларга назар солиш улуғларга зарар етказмайди,
Сулаймон барча шавкати билан чумоли гапин тингларди].

Эртасига у ердан кўчиб, Сайхун дарёси қирғоғига кириб боришди. Амир ўша куниси ва кечаси билан барча амирларни дарёнинг нариги бетига ўтказтириб, эртасига исмат пардаси ортида ўтирган ҳарам аҳли ҳам амир кетидан етиб келишди. Амир улар билан бирга дарёдан кечиб ўтди. Сўнг мени улар орасида қўйиб, ўзи подшоҳлик шавкати билан ул вилоят сари юзланди. Ул тарафнинг барча катта-ю, кичиги амир истиқболига чиқиб, узангисини ўпиш шарафига муяссар бўлдилар. Амир катта дабдаба билан Тўрақўрғон шаҳрида иқтидор байроқларини ҳилпиратди. Хуфтондан кейин бизлар ҳам ҳарам билан қалъага кириб бордик. Тўртинчи куни у ердан Косон томонга юзландик. Косон жуда бир гўзал шаҳар бўлиб, бутун бир Фарғона вилоятининг ҳеч бир шаҳри яхшилик ва латифликда Косон билан беллаша олмайди. Ҳазрат Махдуми Аъзам саййид Султон Жалолиддин¹⁵⁹² нинг оталари қабри шу Косондадир. Ул вилоятга кириб, бир кечани ўша ерда ўтказдик. Эртасига ул тенги йўқ гўзал манзилдан отланиб, Сафед билол мавзесига етишдик. У ерда қадимда кўп шаҳидлар ўтишган. Жуда бир тароватли ва ёқимли, сўлим маскан. Ўша кунисиёқ амир улуғлар қабри зиёратини бажо айлашга киришиб, назру ниёзлар берди ва камбағал мискинларга садақалар улашди. **Байт:**

Бар остони ту омад сари иродати мо,
Агар қабули ту афтад зиҳи саодати мо.
[Дарғаҳингга келди эҳтиром ила бошимиз,
Қабул этсанг агар бахт эрур йўлдошимиз].

Амир зиёрат маросимини адо этгач, Сафед билолдан қайтиб, яна Косон шаҳрига келиб тушди. Эртаси куни у ердан ҳам кўчиб, йўл бўйи шикор қилганча Тўрақўрғон вилоятига кириб борди. Бир неча кун ўша ерда куй-қўшиқлар тинглаш, еб-ичиш, қуш ва ҳайвонларни овлаш, кумуш бадан гул чехралар ҳамда ҳур зотли дилоромлар ила ўтириб суҳбат қуриш сингари айшу ишрат ишларига машғул бўлди. Ёрқин кўнглини барча ташвишлардан озод тутиб, хурсандлик ва шодлик, айшу суруру хузур байроғини ҳилпиратди. Ўша айёмда Ҳожи Мир Қурбон Урганж хони Муҳаммадраҳимхон¹⁵⁹³ нинг икки элчиси билан Рум халифаси Султон Маҳмудхоннинг амир Умархон учун юборган совғаларини олиб келишаётгани хабари етишди. Амир бу хабарни эшитгач, Муҳаммадюсуф *тунқотар*ни улар истиқболига юборди, *тунқотар* элчиларни кутиб олиб, амир хузурига етказди ва кутлуғ кўрунишга киргизди. Келган элчилар амир қўлини ўпиш шарафини топдилар, амир уларни жуда катта ҳурмат билан қаршилади ва муносиб уйларга туширди. Рум султонидан келган нарсалар безакли бир қилич, бир жуфт аъло тўппонча, иккита жуда яхши соат, иккита беназир дурбин ва румий атласдан тикилган бир бухча кийим-кечакдан иборат бўлиб, яна султон амирни ўзининг халифа сифатидаги «хонихонон» амалига чиқарилган Ёрлиғи билан сарафроз қилган эди. **Байт:**

Ҳақ таоло чун даре қисмати шод,
Ҳар касеро ончи мебоист дод.
[Ҳақ таоло шодлик қисмати эшиги,
Ҳар кимга атаганини беради].

Эртаси куни муҳтарам ҳарамга Аҳси тарафга кетишга рухсат берди. Ўзи ҳурматли амирлар билан фаридунлик бахти ва хусравлик шавкати билан Намангонга юзланди. Шаҳар четиде Баҳор қалъа номи билан танилган бир жой бор бўлиб, ниҳоятда сўлим ва ғоятда гўзал маскан. Амир шу манзилда улуғлик ва иқтидор байроғини айланувчи фалак қадар бўй чўздирди. Чаққон қўлли фаррошлар ипак гиламларни ва кимхоб кўрпачаларни ёйдилар. Подшоҳлик баковуллари ҳар хил мазали таомларни ва лазиз ичимликларни муҳайё қилдилар. Шундан сўнг амир Умархон неча бир

¹⁵⁹¹ Бачқир қишлоғи – Фарғона вилояти, Бувайда туманидаги қишлоқ. Қўқоннинг шарқида, 13-15 км. масофада жойлашган.

¹⁵⁹² Жалолиддин Махдуми Аъзамий – Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедий, 1463/64-1542)нинг қабри Даҳбед қишлоғидадир. Самарқанд ҳокими Жонибек Султон томонидан Самарқандга тақлиф этилган. Ўғли Искандар Султон уни ўзининг пири деб эъзозлаган. Махдуми Аъзам 78 ёшида шу Даҳбед қишлоғида вафот этган.

¹⁵⁹³ Муҳаммадраҳимхон I Хива хони (1806-1825).

шон-шавкат ва дабдаба билан ул дилочар манзилга тушди. Лола юзли соқийлар ва гулбадан сарвқадлар шароб жомини давра бўйлаб айлантиришга тушиб, мажлис қатнашчилари юрагини ўғирладилар. Зухра манглай, Ноҳид оҳанг мутриблар янги талқинлар билан катта-ю, кичиклар дилини ушшоқ нағмалари билан овладилар. Ўша чоғда бу ернинг мингдан зиёд аҳолиси ҳам амир ташрифини кўриш учун ёпирилиб келган эди. Куни билан ҳеч бир подшоҳ замонасида кўз кўриб, кулоқ эшитмаган даражадаги шодлик ўтириши давом этди ва амир ўтиришдан сўнг қўлини саховат томон очди. Эртаси куни асрдан олдин ул беҳишт тартиб-кўринишли манзилдан кўчиб, юзни бораётган мақсад-манзилимиз сари бурдик. Шаҳардан ташқарига чиққан пайтимизда, бироздан сўнг илоҳий қудрат билан шундай кучли бир шамол қўпдики, Самуд ва Ҳуд тўфони¹⁵⁹⁴ унинг ёнида гўё тонг насими каби мулойимлик қиларди. Халқ кўзига ҳовуч-ҳовуч тупроқ келиб уриларди. Оламни ҳам қора тун зулмати қоплаб олди. **Байт:**

Қурси хуршед дар сиёҳи шуд,
Юнус андар даҳони моҳи шуд.
[Куёш гардиши қорайиб қолди,
Юнус наҳанг оғзи тўрида қолди].

Ёлғончи олам қоронғулашиб ва зулмат қаърига чўмиб, отлар эгарини ҳам кўриб бўлмас даражага етди. Шу янглиғ меҳнат-азобда йўл юришга тушдик. Аммо, юрадиган йўлимизни йўқотиб, қай томонга бораётганимизни ҳам билмасдик. Шу сабабли йўл юрсак ҳам бошимиз айланганча яна қайтиб, ўша йўлга тушган жойимизга келиб қолардик. Шу тарзда юра-юра тунни ҳам ярмига яқинлаштириб қўйдик. Ўша чоғда амир ёнида беш минг кишидан фақат қирқ нафарча кишигина қолган эди. Бизлар ҳаётдан аллақачон қўлимизни ювиб, қўлтиққа ургандик. Бориб тушадиган бирор манзил кўринмас, биронта қишлоққа етишайлик деб қанча уринсак ҳам қишлоқ аталмиш ердан асло нишон топмасдик. Ноилож, аста-секин йўл юра бошладик. Бора-бора амир ёнида бор-йўғи беш киши қолибди. Тонг отишга яқин амир ва бизлар ҳалокатнинг ана шундай ёқасида борарканмиз, юришга ҳам сира мажолимиз қолмай, тирикликдан бутунлай кўнгил узиб, ўлимимизни кута бошладик. Ана шу аянчли бир вазиятда яқин бир жойдан итнинг овози, йўқ-йўқ, тавба қилдим, балки, сахар палла куйиниб сайровчи ошиқ булбулнинг товушидан ҳам минг чандон ёқимлироқ бир овоз кулоғимизга чалинди. Ит овозини бу янглиғ хуш оҳангда эшитгач, қувончларга тўлиб, овоз келган томонга юзландик. Озгина йўл юргач, олдимиздан бир қишлоқ чиқди. Дикқат билан қарасак, бу ер қишлоқ эмас, Аҳси шахрининг чети экан. Кейин билсак, биз бу ерга анча олдин келган, аммо, адашиб, тагин орқага қайтиб, яна келиб кетиб юрган эканмиз. Шунча хавф-хатар ва саргардонликдан сўнг ҳаётга қайта келганимиз учун шоду хурсанд бўлиб, биздан олдин кетган исмат пардаси ортидаги ҳарам аҳли ўтирган мавзегга кириб бордик. Жаноб амир билан бирга мен ва Муҳаммадалихон модани бу аҳволда кўрган ҳарам аҳли ҳайратдан донг қотдилар, айримлари йиғи-сиғи қилишди, табъида шўхлик кучли бўлган бир неча ой баданли канизлар эса дарҳол хуштаъм чойлар ҳозирлашди. Чой ичилгач зўрға ўзимизга кела бошладик. Машъал ёруғида эса кўзимиз бир-биримизнинг афтода ҳол аҳволимизга тушиб, қарасак, уч нафар ҳабаш ғулом ёнма-ён ўтиришибди, ҳе, борингки, ҳабаш миллати ҳам юзимизнинг қоп-қоралиги олдида ўзларини сутдан окроқ ва ойнадан ойдек тиникроқ сезишарди. Демишлар:

Гардиши даврон гули моро чунин пажмурда сохт,
В-арна дар ин боғ мо ҳам рангу бўе доштем.
[Даврон гардиши гулимизни бунчалик сўлдирди,
Бўлмаса, бу боғда бизнинг ҳам анвойи исимиз бор эди].

Ўз аҳволимизни бу янглиғ кир-чир кўргач, чунонам кулгимиз келдики, ўзимизни хохолашдан тийишимиз амри маҳол эди. Шу билан бошдан кечирган ғамли онларимиз дарҳол шодлик туйғулари билан алмашди. Тортган азобу укубатларимиз бутунлай унут бўлди. Юзимизни ювиш учун сув ахтариб ҳар томонга чопдик ва кўрқувдан одоб сақлаб турган муҳтарам ҳарамлар, анбар сочли канизаклар беихтиёр хохолаб кулишга тушишди.

Алқисса, ўша куниси мазкур мавзеда то яратиш ганжхонасининг хазиначиси тонг ғазнаси эшигини очган маҳалда қуёш искандарининг байроғи ёғдуси шарқ тарафдан кўриниш бергунга қадар ҳордиқ чиқариб, йўл азобларидан қутулдик. Эртаси куни амир амрига кўра барча амирлар дарёдан кечиб ўтиб, амирнинг ўзи қурдирган Шаҳри амир¹⁵⁹⁵ манзилига кириб боришди. Амир ҳам Билқис насли ифбатшиорлар билан Сайхун дарёси қирғоғига тушди ва ўз назорати остида амирларнинг

¹⁵⁹⁴ Солиҳ пайғамбар уммати бўлган Самуд қавми итоатсизлиги ва Ҳуд пайғамбар уммати саналган Од қавмининг ўз пайғамбарини тан олмаганликлари учун юборилган олов, момоқалдирик ва тўфон каби офат-балолари кўзда тутилмоқда.

¹⁵⁹⁵ Амир Умархон асос солган (1820-1821 йиллари) Шаҳрихон назарда тутилмоқда.

хотини ва суман тароватли канизларни ўтказиб, ўзи мухтарам ҳарамлар ва йигирмага яқин парда орти парилари ҳамда учта эркак – мен, Муҳаммадалихон мода ва амирнинг кўкалтоши Мирзо Раҳим *парвоначи* билан бирга қолди. Шунда Мирзо Раҳим *парвоначи* тиз чўкиб, ёлворганча, эй шаҳриёр олам, бу инсон қонига ташна дарёдан умрида кемачилик қилиб кўрмаган биз кабиларга ишониб, дарғасиз ўзингизча бу кемага киришингиз, ой узангили жаноблари учун ҳикматдан узоқ ва ақлдан йироқ иш кўринадир, деди. Амир унинг гапини тингламай, кемага кирди ва тўрталамиз тўртта отимизни кемага боғлаб, дарёга ташладик. Озгина жойни сузиб ўтганимиздан сўнг ҳар тўрталамиз ҳам отимиз нўхтаси учини йўқотиб қўйдик, қандай қилиб топишимизни билмай бошимиз қотди. Отлар гир айлана бошлашди. Шу маҳал ушлаб турган отим кўлимдан чиқиб кетса бўладими. От қуруқликка сари юзланди, кема эса дарё ўртасида чарх уриб айлана кетди. Шунда ўлимимизга рози бўлиб, тирик қолишдан умидимизни уздик. Амир бу ҳолни мушоҳада қилиб, фикр денгизига чўмди, бу мавж ураётган уммондан қай йўл билан қутулиб чиқишини билмай қолди. Алқисса, амир саросима ичида ҳар биримизга қараб бақирар ва ул ифбат паноҳлар эса аҳволни бу янглиғ кўриб, доду фарёд қиладиларди. Фақир беихтиёр кийимимни ечиб, ўзимни дарёга ташламоқчи бўлдим. Амир ниҳоятда дарғазаб бўлиб, туркий тилда «кемага кирганинг жони бир» деган мақолни эшитмаганмисан, деди. Камина жим бўлиб, ичимда «лоҳавла»ни ўқиганча кема ичида у ёқдан, бу ёққа зир югура бошладим. Дарёнинг икки қирғоғида бу ҳолни кўриб турган кишиларнинг барчаси, афсус-надомат кўлини ишқаб, йиғлаганча дарё қирғоғида ҳар томонга чопардилар. Анча заҳмат ва машаққатдан сўнг илоҳий лутф орқасида кеманинг юриши ўнгланиб, кемани тортиб сузаётган отлар ҳеч ёққа боқмасдан тўғри қирғоқ сари юзландилар. Бирор фурсатдан сўнг соғ-саломат дарё четига чиқишди. Биз ҳам дарё ғарқобидан қутулиб, шуқр айтганча кемадан чиқдик. Амир фалак ҳашаматли чодир сари йўналди ва у ердан ўзининг елдек учар отига миниб, Шаҳри амир мавзесига кириб борди. Эртаси куни у ердан қўзғалиб, шону-шавкат билан дор ас-салтана Хўқандга бориб тушди ва давлат ишлари билан банд бўлди.

Бир неча муддат шу зайл ўтгач, биродарим Исҳоқхожа *девонбеги* Панжшанба устидан қочиб, Тошканд йўли билан анча машаққатлардан сўнг амир ҳузурига келди ва амир Умархон кўлини ўпиш шарафини топди.

Амир Умархоннинг Ўратепа, Зомин томонга қўшин тортиб боргани зикри

1237/1822 йилнинг баҳор фасли бошида буюклик мамлакатлари хусрави улуғлигидан қишки буржлардан малул бўлиб, ўз байт ул-шарафи томон қўзғалганда ферузакор ҳисорни эгаллашга уриниб, мамлакат олувчилик шартларини амалга оширганда амир Умархон бутун Фарғона бўйлаб жарчи чақиртириб, ким отлик бўлса, бу хайрият асар сафардан қолмасинлар, қутлуғ мавқаб узангисини ўпиш учун юзлансинлар, кимки била кўра ва қасддан боришни ихтиёр этмаса, боши барбод, моли торожга кетади, дедид. Бу пайғом бутун Фарғона мамлакатлари бўйлаб ёйилгач, шундай лашкар йиғилдики, на тоққа сиғарди ва на даштга. Амир неча бир шавкат ва дабдаба билан салтанат саройи Хўқанддан ғалаба келтирувчи байроқни Хўжанд сари кўтарди. Бир неча манзил ва йўлларни босиб ўтиб, ул тенги йўқ шаҳарга кириб борди. Уч кун давомида лашкарни тартибга келтириш билан машғул бўлди. Фақир ва Муҳаммадалихон модани исмат пардаси орти сокинлари билан Хўжанд қалъаси аркида қолдириб, тўртинчи куниси ўзи фаридунлик саодати ва соҳибқиронлик дабдабаси билан тоғ сағрили елдек учар отига миниб, Зомин қалъаси томон йўналди. Бир неча масофани босиб ўтгач, Зомин қалъаси уруш ва жанг тариқатининг соликлари ўтирадиган жойга дўниб, нусрат асар лашкар ул қалъани марказ нуқтаси сингари қуршовга олиб, қамал ва уруш ишига чунонам киришдиларки, қўшин аҳлининг қичқириқ ва шовқин-сурон овозларидан ер ларзага келди. Ўша кезларда Муҳаммадраҳим *девонбеги* бу қалъага Турсун *девонбеги* ўғли Бердиёрни ҳоким қилиб қўйган эди. Ул кураш илмининг устаси эса қалъа сакловчилик ишини қойил мақом қилиб бажариб, ўқ ва тўфанг отиш сари қўл чўзганча марди майдонлик додига етмоқда эди. Илгари жаҳонни безовчи қалам таҳрир силкига киритгани каби, амир Умархон мени ва Муҳаммадалихон модани мухтарам ҳарамлар билан вилоят келини саналган арқда қолдириб, ўзи ул томонга равона бўлди. Фақир ва Муҳаммадалихон ёшлик ғайратига мағрур, давлат шаробига маст бўлиб, Хўжанд шаҳрининг товус юришли ва кийик кўзли гўзалларини йиғиб, лола юзли соқийлар билан аччиқ май тўла қадахларни сира тўхтатмасдан айлантиришга тушдик ва ҳеч бир сонияни май сипқоришсиз ўтказмадик.

Ноҳид ва Хусравни ўзларининг бир бошоқ терувчиси ўрнида билувчи Зухра манглай мутриблар билан ўтириб, базмни авжига чиқардик. Аммо, иши доимо эгри айланишдан иборат бўлмиш фалак айни айшу ишратимиз чоғи бир неча кунни ташвишсиз нафас олиш билан ўтказишимизга қўймай, тушимизда ҳам, ўнгимизда ҳам кўрмаганимиз бир воқеани қўзғади. Гапнинг

қисқаси шуқим, Муҳаммадраҳим *девоубеги* ишларимиздан яхшигина хабар топиб, Зомин томонга кетган амир Умархондан ҳам кўнглини тўқ тутиб, ўрмонни арслондан холи кўрганича катта лашкар билан тезликда кечаси шабухун уриб, Хўжанд шаҳри тарафга юзланади. Юқорида ҳикоясини келтирганимиз Худоёрбий валинеъмат ва саййидлик паноҳи Маҳмудхонлар ўз замонасида ишлатган ҳийла ва тадбирга ўхшатиб, у ҳам шу ўтганлар йўлини тутганча Дунбой мавзесида келиб, пистирма қуриб ўтирди ва кўшинидан бир тўп кишига тезлик билан бориб, шаҳар атрофини босқин-чопқин қилиб қайтишни буюрди. Унинг буйруғи амалга ошгач, бундан мен ва Муҳаммадалихон мода хабар топиб, ҳеч ўйланиб ҳам ўтирмай тажрибасизлик оқибатида отланганча Муҳаммадраҳим *девоубеги* билан уруш сари юзландик. Бундан огоҳ бўлган Қосим *оталиқ* тез суръат билан кетимиздан Танглик мавзесида етиб олди ва Худоёрбий ва Маҳмудхонлар ишлатган ҳарб тадбирини ҳикоя қилиб берганча бизга *девоубегининг* ҳийласига учмасликни уқтириб, у билан уруш қилмасликни маслаҳат берди.

Байт:

В-арчи кас бе ажал нахоҳад мурд,
Ту марав бар даҳони аждаҳо.
[Киши ажалидан бурун ўлишни истамаса,
Аждаҳо оғзи томон бормаслиги лозим].

Фақир ва Муҳаммадалихон мода ғурур ва эҳтиётсизлик юзасидан *Оталиқ*нинг сўзини қабул қилмай, ўша томонга юзландик. Қосим *оталиқ* қараса, иш бўлмайдиган. Ноилож отдан ўзини ерга ташлаб, бир кўли билан фақирнинг жиловини, яна бир кўли билан Муҳаммадалихон отининг жиловини ушлаганча ўтиниб, ёлворишга тушди. Шу зайл бир қадам отишимизга ҳам йўл қўймади.

Байт:

Пирон сухан ба тажриба гўянд, гуфтамаат,
Ҳон, эй писар ки пир шави панд гўш кун.
[Кексалар тажрибадан келиб чиқиб айтишади,
Айтдимку, эй кексалик ёшига етгур ўғил, пандга кулоқ ос].

Ва бизлар чор-ночор ул кексанинг сўзини қабул тутиб, ўз қароргоҳимизга қайтдик. Бир нечта жангчиларимизни олдинроққа юбордик. Муҳаммадраҳим *девоубеги* қараса, кўзлаган ови тузоққа илинмаяпти, **мисраъ:** Анқо шикори кас нашавад, дом боз чин Анқо қушини ҳеч ким овлай олмайди, тузоғингни йиғиштирақол]. Ноилож бўйинини эгиб, ўша теварак-атрофни босқин-чопқин қилганча ўз ватанига қайтиб кетди. Бу хабарни мен ва Муҳаммадалихон мода эшитиб, ўй ва фикр денгизига чўмдик ҳамда ҳайрат бармоғини тишлаб, ҳазрати таолога чексиз шукрлар айтдик. Агар, Қосим *оталиқ* сўзига амал қилмай, ташқарига чиқсак, тутдай тўкилар эканмиз. Маст эдик, шу воқеадан сўнг хушёр тортдик. Уйқуда эканмиз, уйғондик. Шундан сўнг бу ерда сира ҳам ўйин-кулги ва базмга майл билдирмадик. Қалъани сақлаш борасидаги чора-тадбир ишларига киришдик.

Фақирнинг Муҳаммадалихон модага хато йўлда юрмаслик бўйича панду насихат қилгани зикри

Маънолар моҳиятини билувчи нуктадонлар кўнглидан яширин қолмасинким, гарчи бу сўзларни ушбу ўринда битиш муносиб бўлмаса-да, бу иш Мовароуннаҳр бўйлаб, йўқ, аниқроғи, бутун ер юзи бўйлаб ёйилгани ва қиёматгача дафтари китобларда ёзилиб қолажаги учун яна такрорлашни лозим топдим, зеро, фақир бу ишнинг бошидан то охиригача воқиф эдим. Гўстохлик юзасидан бу ҳақда бир неча сатр ёзсам, ақлли кишилардан умидим шуқим, қарам айлаб, менинг бу ишимни кечиргайлар. **Байт:**

Зи дашти беҳуди меоям, аз вазъи адаб дурам,
Жунуни гар кунам, эй шаҳриёри ҳуш, маъзурам.
[Беҳудлик даштидан келмоқдаман, адаб ҳолин билмасман,
Телбалик қилсам, эй хушёрлик шаҳриёри, кечир мени].

Гапнинг пўст кандаси шуқим, амир Умархон мени ва Муҳаммадалихонни исмат пардасининг орқасида ўтирувчилари билан бирга Хўжанд шаҳри аркида қолдириб, ўзи Зомин қалъаси томон кетганда, мен ва Муҳаммадалихон иккаламизнинг одат ва қоидамиз ҳамда амир Умархоннинг фармойиши арқда ҳар кун уч ё тўрт маҳал доимий равишда амирнинг бошқа барча ҳарамларидан улуғи ва менга онамдан ҳам неча баробар кўпроқ ва яхшироқ даражада мушфиқу меҳрибон бўлмиш муҳтарам Моҳлор ойим саломига бориш ва бирор фурсат ҳузурларида ўтириб, сўнг яна ўз ўрнимизга қайтишдан иборат эди. Ҳар кунимиз шу зайл кечарди. Иттифоқан, бир куни ул ифбатлик паноҳи

саломидан сўнг фақирнинг йўли сайид Ғозихожа *файзининг* амир Умархонга суюкли хотин бўлмиш қизи Хонпошшо ўтирган хона эшигидан тушиб қолди. **Рубой:**

Рухаш чун меҳр беҳамто дар офоқ,
Ба жуфти абрувон чун моҳи нав тоқ.
Зи рўяш пайкари хуршед дар тоб,
Зи лаълаш жавҳари ёқут сероб.
[Юзи қуёшдек жаҳонда танҳо,
Бир жуфт қоши осмондаги янги ой.
Юзи тафтидан қуёш бадани жизғанак,
Дўдоқларида ёқут жавҳари мўл-кўл].

Ул пари юзлик мен учун чой қайнатган экан. Фақир унинг эшиги олдида ўтирганча чой ичмоқда эдим. Фақирнинг онаси ул замон Ширини (Хонпошшо)ни ўз қизи ўрнида кўрар ва ул соҳиб жамолга яхшилиқлар қиларди. Шунга кўра, ул пари чехранинг меҳри амирнинг бошқа яқинларига қараганда бизга нисбатан кучлироқ ва бизнинг хонадонни ўзининг мураббийси деб биларди. Ўзи, ҳақиқатдан ҳам шундай эди. Ўша ўтиришим устига Муҳаммадалихон мода келиб қолди ва кўзи менга тушди. У ҳам ўтириб чой ичишга машғул бўлди. Сухбатимиз қизиб, ҳар тўғридан сўз очилди. Ўша аснода фақирингиз Муҳаммадалихондан ул парипайкарга нисбатан амалга ошаётган ошиқона ҳаракатлар ва асирона қарашларни сезиб қолдим. Бундан олдин ҳам Тошканд йўлидаги иккита мавзеда узокдан унинг ана шундай ноўрин нигоҳини сезган, аммо, ҳеч кимга айтмаган эдим. Ҳозир эса ҳеч бир ошиқ маъшуқасига қилмаган ўғринча қарашларни ўғилдан ўғай онасига нисбатан содир бўлаётганини кўргач, дин ҳамияти, ор-номус денгизи ҳаракат ва туғёнга келиб, илондек қаҳру ғазаб оловида қоврилдим. Лекин, бу маҳалда ул гул кўйлакли жонон унинг бу ишидан сира ҳам воқиф эмасди. **Мисраъ:** Доманаш зи он поктар бошад, ки мо гўем пок (Этаги биз ўйлагандан ҳам покрок эди].

Фақир ўрнимдан ўтга тушган исирик каби сачраб туриб, истиқомат қилаётган кўшим сари кетдим ва ётоғимга етишгач, ўзимни зўрға ушлаб турдим. Муҳаммадалихон ҳаракатимдан гап нимада эканини англаб, кетимдан келиб қолди. Фақир ихтиёрсиз равишда хонадан бошқаларни чиқариб юбориб, Муҳаммадалихонга юзландим ва дашном берганча: – Нафис ақлингга нима бало бўлдики, ёмон нафсинг унинг устидан ғолиб чиқибди. Нима, иймон-эътиқодинг йўқми, худо ва ислом пайғамбаридан умидинг йўқми? Бу нима ёмон феъл? Нима бало уриб, аммора нафсга йўлиқибсан? Нега иблис йўлига кириб, дину дунёингни сотмоқдасан? Олам яратилгандан то шу кунгача бунақа иш на мўъмин томонидан содир бўлган, на кофир томонидан. Тўғри, бундай ишга фақат Шеруя қўл уриб, у ҳам қилмишига яраша жазосини топган! Демак, гап шундоқ экан, бўлган воқеанинг ҳаммасини отанг амир Умархонга айтиб бераман. Минг жонингдан биттаси қолмайди, – дедим ва шундан сўнг ушбу **байт**ни ўқидим:

Барои як дамаи шахват ки хок бар сари ў
Забуни зан шуда бе дин шудан намехоҳад.
[Бир лаҳзалик уйинг куйгур шахват учун,
Хотин олдида ўзни ерга урмоқ ярамайди)

Фақир билан Муҳаммадалихон мода иккимизнинг болалик айёмидан то йигитлик давримизгача бир-биримизга густохлигимиз шу даража эдики, ўртамызда яширин сақлайдиган биронта гапимиз бўлмасди. Очиги, бу орада дин ва диёнат иши тургани учун биродарлик ва тўғрилиқ юзасидан нимани айтишим лозим бўлса, қаттиқ-қаттиқ қилиб бор гапни айтдим. Муҳаммадалихон мода каминадан бу сўзларни эшитгач, тўнимни тесқари кийганимни фаҳмлади. Тўғриси, худодан кўрққанидан эмас, балки, отаси амир Умархондан кўрққанидан баданига титроқ кириб, тол баргидек қалтиради ва йиғи-сиғига тушганча ваҳима ичида қалин қасаму онтлар ичиб, дилимда ҳам, тилимда ҳам бунақа орзу ва мақсад сира-сира йўқ, менинг ҳаққимда нотўғри равишда ёмон гумонга бориб, адашибсиз, бунақа иш мен томонимдан ҳеч қачон содир бўлмайди, деди. Фақир Муҳаммадалихон модадан бу сўзни эшитиб, фикр ғарқобига чўмдим. Ошиқона нигоҳлари ёдимга тушган сайин, унинг минг-минг қасамини бир дона арпага ҳам олмадим. Аммо, бу иш куфр ва ислом ўртасида тургани ҳамда Муҳаммадалихоннинг кўп онту қасамлар ичгани сабабли ҳайрат бармоғини тишлаб, қайси томонда туриб ҳукм чиқаришимни билмай қолдим. Анча мулоҳазадан сўнг ёдимга мўъминнинг ўзини тўғри деб билиши эҳтимол юзасидандир, чунки, инсон фаришта эмас, башардир. Балки, хато қилаётгандирман. Ниҳоят, воқеани ўзимнинг нотўғри хулосамга йўйиб, ҳалиги даъвомдан кечдим. Аммо, афсуски, бунинг оқибати ёмон бўлиб, чуқур илдиз отди.

Алқисса, амир Умархон Зомин қалъаси атрофида қамал ва урушга банд бўлди. Ўша аснода Аннақул *парвоначи* хитой-қипчоқ, қорақалпоқ амирлари ва тўрт минг ханжар санчувчи жангчилари

билан бирга келиб, амир Умархон кўрунишга мушарраф бўлди. Дониёл *Оталиқ* томонидан Шаҳрисабздан эса Авлиё *махрамбоши* элчилик расми билан келди. У ҳам амир узангисини ўпиш шарафига эришди ва келганларнинг барчаси биргалашиб, катта ўтинч билан «агар жаноби жаҳонпаноҳ меҳрибонлик кўрсатиб, Самарқанд вилоятига қадам ранжида қилсалар, сал фурсатда Мовароуннаҳр вилояти фатҳ бўлажак» деган таклифни айтдилар. Бироқ, худо хохламаган экан, бир неча бўлмағур ва беҳуда ишлар ўртага тушиб, амирнинг ул тараф сари боришига тўсқинлик қилди. Айни кунларда қамал муддати ҳам йигирма кунга чўзилган эди ва лашкар ўртасида айрим зарурий нарсалар юзасидан бироз етишмовчилик рўй берди ва ҳаво ҳам қизигандан қизиб, ариқлардаги сувларгача қайнатиб юборди. Айниқса, туз танқислиги одамларни қийнаб, туз кадри Аҳмар гугурдидан ҳам кадрлироқ бўлди. Лашкар аҳли тузсиз овқат ейиш натижасида тану баданлари шишиб, охират йўли томон кетишга тушдилар. Амир Умархон бу воқеани кўриб, эртасига тоғ гавдали елдек учар отига минди ва катта Зоминдан ярим фарсах юқорида жойлашган Зомин қалъаси сари юриб, баландликда тенгсиз бу мустаҳкам қалъа амирнинг ғалаба аломатли лашкари томонидан худди узук қошидек қуршаб олиниб, қўшин қалъа қамали ва уни олиш ишларига киришиб кетди. Амир Умархоннинг ўзи ҳам қалъа ёнигача бориб, бутун Фарғона қўшинига қалъани қандай бўлмасин ишғол қилиш ҳақида фармон берди. Улар амирдан рухсат ва фотиҳа олиб, ғоятда чаққонлик ва эпчиллик билан сел каби илгари босганча бир ҳамладаёқ қалъа ичкарисига кирдилар. Шунда қалъа ичидаги аҳоли нусрат асар сипоҳни ўққа тутишга тушиб, тўфанг ўқларини улар устига ёмғир ва шудринг каби ёғдирад эдилар. Натижада, бу ўқлар анчагина амир ва жангчимизни йўқлик сари жўнатди. Айримлар каттиқ ярадор бўлишди. Нав ҳокими Довул *парвоначи* ва Бўта *мирохўрбоши* кабилар эса қилич зарбидан йўқлик сари юз тутдилар, Хўжанд ҳокими Шоҳи *парвоначининг* бир панжасини қилич билан икки нимта қилдилар, шунингдек, яна бир гуруҳ аскаримизни ҳам ҳалок этишди. Ниҳоят, ана шундай азоб ва машаққатлар билан қалъага киришга муваффақ бўлган қасоскор жангчилар шу заҳоти аҳоли мол-мулкани талаш ва босқинчилик ишларига киришиб кетдилар. Анчаларни асир олишди. Амир Умархон хотирини бу қалъа фатҳидан жам қилгач, фаридуний шавкат билан қайтиб, ўз ўрдусига тушди. Бу ҳолни кўрган Зомин ҳокими Бердиёр ширин жонидан умидини узиб, ўлимини кутиб ўтирди. Эртаси куни қуёшнинг олтин қанотли семурғи оламини ўз шўъласи билан мунаввар этган чоғда амир Умархон елдек учар отига миниб, олам хуршидининг оқ байроғи машрик уфқидан осмонга кўтарилган тонг маҳали худди кечагидек қилиб, музаффар туғли лашкарга сафма-саф тартиб берди ва қалъа сари юзланиб, бир ҳамла билан қалъа халқининг бошидан ўт ва тутун чиқармоқчи бўлди. Ҳурматли амирлар тиз чўкиб, қуйидагича арз қилиб: – Агар жаноби олампаноҳ ҳукм берсалар, музаффар асарли лашкар бир лаҳзадаёқ қалъанинг кулини кўкка совуради. Аммо, салтанат ишларидан бири эҳтиёткорлик ва ўйлаб қадам босиш бўлгани учун шунга риоя қилмоқ лозимдир. Шунингдек, Сиз учун жонини беришга тайёр ғуломларингизнинг энгилиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Бу каби қалъадан мингтаси даргоҳингизнинг битта жангчиси тирноғига ҳам арзимади. Агар ҳукмдорлик юзасидан қалъа аҳлини ўз ҳолига қўйсангиз, бу эса ой узангили подшоҳнинг лутфу марҳамати намоён бўлишидан ўзга нарса бўлмаяжак, – дейишди. Амир уларнинг сўзини қабул қилиб, ўз лашкаргоҳига қайтди. Ўша куниси Аннакул *парвоначи* билан бирга унинг ёнидаги хитой-қипчоқ улуғларининг ҳар бирига алоҳида либослар инъом қилди ва Хушвақт *қўшбеги*, Арслонбек *додхоҳ*ни уларга қўшиб, кетишларига рухсат берди. Ўзи эса эртаси куни у ердан кўзғалиб, Ўратепа томонга қайтди. Уч кўчдан сўнг Нав мавзесига кириб келди ва ул вилоят ҳукуматини Довул *парвоначининг* ўғли Гадоё бойбийга берди. Эртасига у жойдан кўчиб, Хўжанд сари юзланди. Камина ва Муҳаммадалихон мода бу хабарни эшитиб, иккаламиз бирга барча Хўжанд амирлари билан Тангий мавзесига бориб, амирни кутиб олдик. Амирнинг кўзи фақирга ва Муҳаммадалихон модага тушиб, жуда мушфиқлик ва марҳамат билан ёнига чорлаб, подшоҳона меҳрибончилик қилди. У ердан неча бир шон-шавкат билан юрганча Хўжанд Аркига келиб тушди. Уч кун ул вилоятда йўл ҳордиғини чиқарди ва саховат қўлини хосу ом сари очди. Тўртинчи куниси шаҳардан кўзғалиб, салтанат уйи Хўқанд томонга юзланди. Уч кўч йўл юргач, давлатхонасига кириб борди ва халқнинг арз-додини эшитиш каби давлат ишларига киришди. **Мисраъ:** Ба сони гул ки ба саҳни чаман бар афрузад (Чаман саҳнида яшнаб-очилган гул каби, сарой ичра мақом тутди)].

Алқисса, Хушвақт *қўшбеги* ва Арслонбек *додхоҳ* ўша Одинакул *парвоначи* билан бирга амир Умархондан Самарқанд сари юришга рухсат олишган куни ул мамлакат томон йўлга тушдилар. Уч кўчдан сўнг Янгиқўрғон мавзесига кириб боришди. Эртасига амирлик паноҳи биродарим Исҳоқ *девоубеги* ва Ургут ҳокими Каттабек *парвоначи*, Одинакул *парвоначи*, Момир *додхоҳ*, Хушвақт *қўшбеги*, Арслонбек *додхоҳ* ҳамда ул тарафнинг бошқа амиру амалдорлари катта қўшин билан Самарқанд вилояти сари юзландилар. Ул шаҳарга етишиб, «мим» ҳарфи халқаси каби ўртага олиб,

қалъа атрофига кўш ташладилар. Эртаси куни қамал ва уруш ишларига киришдилар. Қамал муддати бир ҳафтага чўзилди. Шу орада икки ўртада бир неча бор шиддатли жанглар бўлиб ўтиб, ўликлар уюмидан тепаликлар ҳосил бўлди. Ниҳоят, Исҳоқ *девонбеги* ва бошқа амирлар қарашса, иш ҳадеганда илгари силжийдиган эмас. Ул вилоятни ўз ҳолига ташлаб, ҳар ким ўз юртига қайтиб кетишга мажбур бўлишди. Шу жумладан Хушвақт *қўшбеги* ва Арслонбек *додхоҳ* ўз лашкари билан биёбон йўли орқали Тошканд томонга юзландилар. Бир қанча масофани босиб ўтиб, неча бир меҳнат ва азобда Тошканд вилоятига етишиб, у ердан амир Умархон ҳузурига келишди ва амирга кўруниш бердилар. Уларнинг кетича бир неча кундан сўнг Исҳоқ *девонбеги* Панжшанба вилоятидан юз ўгириб, амир Умархон хизматиغا етишди ва у ҳам амир кўлини ўпишга мушарраф бўлди. Амир Умархон эса айшу ишрат билан машғуллик қилганча, шеър битиш ишларига жиддий киришди ва ёзган шеърларидан туркий ва форсий намуналарни ўз ичига олган жуда гўзал бир девон тузди. Шу сабабли ўша айёмда ширин калом шоирлардан анчаси билан ижодий алоқалар ўрнатиб, мазали суҳбатлар қурди. Амирнинг бу каби ўтиришлари қизил шаробга тўла олтин, кумуш қадахларни давра бўйлаб гир айлантирувчи сарвқадли соқийлардан холи бўлмасди. Бу мажлисларда гоҳ май ичилар, гоҳ эса шеърлар ўқилар, хуллас, йиғиннинг бирор лаҳза ва соати шу икки нарсасиз ўтмас эди. Даврада Умар Хайём рубоийлари ва Хожа Ҳофиз Шерозийнинг байтларидан ўқиларди. Амир, айниқса, Хайёмнинг ушбу рубоийсини кўп тилга оларди, **рубойи:**

Эзид биҳишт ваъда бо мо мекард,
Пас хўрдани май ҳаром бо мо кай кард?
Ҳамза ба араб ушъури шахсе пай кард,
Пайғамбари мо ҳаромии май бо вай кард.
[Худо бизга жаннатни ваъда қилди,
Демак, май ичишни қачон ҳаром қилибди?
Ҳамза араб билан ушъур шахсин (?) изидан кетди,
Пайғамбаримиз унга арақни қачон ҳаром қилибди?]

Хожа Ҳофиз Шерозий **байти:**

Айби май жумла бигуфти, хунараш низ бигўй,
Нафи ҳикмат макун, аз баҳри дили омие чанд.
[Майнинг бари айбин айтдинг, яхши хислатин ҳам айт,
Омийларга панд дея, фақат шу амри маъруфнигина дема].

Ёз фасли охирида, қиш фасли етишгач, амир Умархоннинг кўнглига ҳар қачонги одатга кўра, шикор учун Марғинон ва Андижон тарафларга бориш истаги келди. Бу хабарни эшитган амирлар шикор асбобларини ҳозирлашга киришдилар. Айни шу маҳалда амир Умархоннинг табиати кўп шароб истеъмол қилавериш оқибатида ўз меъёр чегарасидан ташқари чиқиб, касаллик сари юз тутди.

Амир Умархоннинг мағрурлик уйдан мангулик масканига кўчгани зикри

Олам олимларининг барча сарварларига маълум ва азалий борлиқ яратувчиси ҳикматини ўзлаштирган бани Одам фозилларига равшанким, тақдир тақозосича ҳамиша шундай бўлиб келган – бошига кўп зийнатли тож кийган ҳар бир подшоҳ бир кунмас-бир кун дунёвий мамлакат ишларини тартибга солишдан қўл тортиб, охиратнинг саломат анжомли мақоми томон кетади. Ушбу жараён ҳам доимо амалга ошиб турган – рубъи маскун¹⁵⁹⁶ дорулмулки ва ўзгарувчан ер юзида қай бир ҳашамат эгасининг бахт анжомли ташаббуси тахтга чиқиб, бахтга мушарраф бўлиш эрса-да, барибир, руҳу жони танасининг тор қафасидан танг аҳволга тушиб, бу қийинчиликдан қутулиш илинжида жаннат кенгликлари томон юзланишни хуш кўради. **Қитъа:**

Эй дил, ба жаҳон сабот амрест маҳол,
Пайваста сурури ўст мақруни малол.
Ҳар кавкаби масъуд ки бинамуд жамол,
Бас зуд камоли ў пазируфт завол.
[Эй дил, жаҳонда собитлик қийин бир иш,
Ҳамиша қувончи кетидан келар ташвиш.
Қай бир бахт юлдузи кўрсатса гар жамол,
Демак умри топгуси завол, ёзи қиш].

Алқисса, касаллик ул амирнинг пок гавҳарига аралашиб, дард бахт сифатли зотига йўл топди. Табиблар қанчалик даволаш учун уринмасинлар, тескари натижа олардилар ва борган сайин мизож

¹⁵⁹⁶ Ер юзининг қуруқликдан иборат қисми.

заифлиги кучайиш ва кўпайиш сари юзланди. Ўн етти кун давомида иложсизлик тўшагида ётди. 1237 йилнинг ўн саккизинчи рабиъ ус-сонийси, жума куни, жадийнинг эса ўн иккинчисида қуёш чиқиш маҳали/12 январ 1822 йили муқаддас руҳи қудсий фалак сари парвозга киришди. **Байт:**

Вақти жон додан Фалотун ин ду ҳарфе гуфту рафт:

Ҳайф доно мурдану афсус нодон зистан.

[Ўлиш чоғи Афлотун шу икки сўзни айтди-ю, кетди:

Доноликда ўлмоқ аянчли, нодон бўлиб яшаш надоматли].

Олам аҳли анинг улуғлиги ёғдусидан фароғат топган ҳашамат қуёшининг балқиган нурлари «қаерда бўлмангиз ўлим сизларни топиб олур»¹⁵⁹⁷ « мағрибида сўнди, жаҳон халқи анинг буюклиги адолатидан роҳатда яшаётган азамат жамшидининг ҳаёт қонунлари «барча нарсалар фонийдур»¹⁵⁹⁸ « фармони билан тугади. Ҳар шому саҳар фатҳу зафар башоратини ҳар шаҳару мамлакатга ёювчи шоҳлик ноқораси овози бирданига ўчди. Халқ ва сипоҳиларнинг шу пайтгача ҳеч ким эшитмаган доду фарёд товушлари бу мусибат оғирлигидан юқорига ўрлаб, айвону кайвонга чирмашди. **Шеър:**

Зи мижгон дам ба дам хуноб мерехт,

Мағў хуноб хуни ноб мерехт.

Зи дасти жавр даврони жафожўй,

Гаҳе бар сина мезад, гоҳ бар рўй.

[Кўзлардан кетма-кет ёш оқарди,

Ёш дема, қип-қизил қон оқарди.

Жафоли давроннинг жабру балосидан,

Гаҳи кўксига урар, гоҳ юзин тирнарди].

Алқисса, жаноб қиблагоҳим амир Умархон ётган хонадан ташқари чиқиб, барча ҳурмат-эътиборли амирларни йиғди ва амир девонхонасида мажлис ўтказдилар. Шунда давлат устунларининг барчаси каломи мажид устига қўлларини қўйиб, Муҳаммадалихон модани отаси ўрнига ўтқаздиш ва ўз ҳокими сифатида тан олиб, давлатхоҳлик ва хизматкорлик расмини бор кучлари билан бажаришга ҳамда амирларнинг ҳасад юзасидан бир-бири билан қарама-қаршилиққа бормаслиги борасида ҳам қасаму онт ичиб, аҳду паймон қилдилар. Бу баъиат катта-ю, кичик барчанинг кўнглида ишонч мақомини топгач, амирлар каминага Муҳаммадалихон модани олиб келиш ҳақида топшириқ бердилар. Бориб, ҳарамдан олиб чиқиб келдим. Саййидлар, уламо ва умаро ҳаммаси бир бўлиб, Муҳаммадалихон модани оқ кигиз устига ўтқизиш¹⁵⁹⁹, отаси ўрнига ҳукумат тахтига ўтқаздилар. Мавлоно Ҳозиқ яхши бир таърих айтганди. **Таърих:**

Жустам субҳи жумъа чу тарихи фавти ў,

Зад сина чок-чок зи худ ҳамчу оҳ рафт.

Бо тожи лаъл гуфт бар авранги хусрави,

Биншаст шоҳзодаи воло-ю, шоҳ рафт»¹⁶⁰⁰.

[Жумъа тонги изладим вафоти таърихин,

Сина чок ёрилди, ўзидан оҳ каби кетди.

Лаъл тожи билан, деди, шоҳлик тахти узра,

Ўтириб олий шоҳзода, у шоҳ кетди].

Яна Ҳозиқники:

Ди Ҳозиқи дилсўхта мегуфт қасоид,

Имрўз сари навбати ў марсияхон рафт.

Гуфтам чи нависам паййи тарих, хирад гуфт:

Аз «хиттаи Фарғона» «Умари қадри замон» рафт»¹⁶⁰¹.

[Кеча қайноқ дил билан Ҳозиқ битарди қасида,

Бугун эса навбати марсиялар айтмоққа етди.

Дедим, таърихида нени ёзай, ақл деди:

Фарғона ўлкасидан замон қадрининг Умари кетди].

Гапнинг қисқаси, саид ал-мурсагин суннати бўйича ювиш ва кафанлаш ишлари бажарилгач, амирлар ва давлат устунлари унинг мағфиратга ёр наъшини кўтариб, амир қасри саҳнида раҳмат жанозасига қўйиб, намоз ўқишди ва тобутини кўтариб, оғир қайғу ва ғам, чексиз ғусса ва алам ичра

¹⁵⁹⁷ Қуръони карим, 4: 78.

¹⁵⁹⁸ Қуръони карим, 55:26.

¹⁵⁹⁹ Матнда “партофта” ташлаб.

¹⁶⁰⁰ Таърих 1237/1821-22 санани беради.

¹⁶⁰¹ Таърих 1237/1821-22 санани беради.

кўз ёши ўрнига қон тўла юраклардан қон селини оқизиб, фиғон ва оҳу зор сасларини зангори фалак авжига чиқарганча ота-боболарининг гўрхонасига элтиб, ёғдули шариат қоида ва усули билан дафн қилдилар. **Мисраъ:** Зи мижгон шуд равон жўйи пур аз хун (Киприклардан қонга тўла ариқлар оқди); Амир Умархоннинг қариндошу тукқани, давлат устунлари мусибат либосини кийиб, бир ҳафта давомида муттасил равишда таомлар торттириб, каломи мажидни хатм қилдирдилар. Еттинчи куни хашаматли султонлар қоидасича катта ош берилди. Муҳаммадалихон мода халқнинг таъзия кийимини ечаверишини билдириб, ўз отаси ўрнига ўтирди.

Бу вақтда Муҳаммадалихон мода томонидан рўй берган ёмон ишлардан бири шу бўлдики, мотам маросимлари тугаб-тугамай марҳум Мансурхожанинг бева қолган хотини Ойбибишга уйланди ва ўша вақтдаёқ, **мисраъ:** Соле ки накўст аз баҳораш пайдост (Йилнинг қандай келиши баҳоридан маълум бўлур,) деганларидек, унинг барча қилажак ишлари аён бўла бошлаган эди.

Бу бир неча мухаммас эса ул марҳум шоҳнинг табъ мевасидандир, **маснавий:**

Шаҳи дину дунё шаҳаншаҳ Умар
Ки дарёйи табъаш буд гавҳар.
Чу баҳри маони шуд мавжхез,
Бувад килки дурпоши ў нуктарез.
Зи Бедил писанд омадаш ин ғазал,
Мухаммас биоростааш бебадал.
Бувад ин мухаммас зи султони дин,
Ки шуд шеъри Бедил аз он дилнишин.
[Дин ва дунё шоҳи шаҳаншоҳ Умар,
Ки табъ денгизи эди тўла гавҳар.
Маънолари денгизи эди мавжли,
Дур сочувчи қалами ҳикматга тўкувчи.
Бедилдан кўнглига ёқиб бу ғазал,
Тенгсиз мухаммас яратди шу маҳал.
Бу мухаммасни ёзгани учун дин султони,
Шундан бўлди Бедилнинг шеъри гўзал].

Мухаммас:

Умрест чун боди сабо дорам суроғи гулшанат,
Овора чун бўйи гулам дар орзуйи масканат,
Мавжи гуҳар дар ҳар қадам аз жустижўйи маъданат,
Эй пурфишон чун бўйи гул беранги аз пироханат,
Анқо шавам то гарди ман ёбад суроғи доманат.

То ин бисоти нўҳ фалак изҳор карди аз адам,
Килки қазо тасвир зад бар ҳастии Одам рақам,
Назми тайин дар жаҳон таҳрир карди беқалам,
Бо сад ҳадуси кайфу кам аз мазраъ обод қадам,
Як реша бар шўхи занад тухми ду олам хирманат.

Баҳси ду олам можаро як фард аз тавжеҳи ту,
Шуд чашми ғафлат парварон бедор аз танбеҳи ту,
Такдис дар боғи жаҳон гул карда аз танзеҳи ту,
Танзеҳи сад шабнами ҳаё гул карда аз ташбеҳи ту,
Жон сад ғарқоби бақо гул кардае лутфи танат.

Дорад гулистон рангу бў аз жилваи раъноият,
Халқе зи ҳасти то адам девонаву савдоият,
Хобонд халқеро ба хун афсуни бепарвоият,
Таждиди нози ошуфтаги ранги либосороият,
Бе пардаги девонагии тарҳи ниқоб афканданат.

Эй партави хусн туро ойина шуд дунёву дин,
Саргаштаи шавқ туро мулки Сулаймон дар нигин,
Дорад фалак аз мехру маҳ доғи ғуломи бар жабин,
Дар водийи шавқ яқин сад Тўри Мусо офарин,

Хокистари парвонаҳо маҳви чироғи иманат.

Аз шўхии изҳори ту эй подшоҳи лам язал,
Номи азал исми абад аз килки сунъат як ғазал,
Имрўз файзи жилваат пўшида аз чашми рамал,
Ду навъ баҳори лам язал жўшида аз боғи азал,
Нўҳ осмон гул дар бағал як барги сабзи гулшанат.

Андешаи сад зуфунун дар фикри зотат шуд забун,
Умрест бо кади нигун на сабр дорад, на сукун,
Нўҳ тоқи чархи нилгун истода ин жо бесутун,
Дил аз таҳаюр кард хун, бар ақл зад барки жунун,
Шўри ду олам кофу нун як лаб ба ҳарф оварданат.

Худ ошиқи хусни худ, бар шавқи худ пўшидаи,
Аз мазҳари кавну макон чун бўйи гул жўшидаи,
Худ соқии жоми бақо аз дасти худ нушидаи,
Ҳар жо барун жўшидаи, худро баҳуд пўшидаи,
Дар нури шамъат музмаҳил фонуси пироханат.

Аз доғи савдои ту дил дорад сад ганжинаҳо,
Заррот пайдо мекунад шавқи туро аз синаҳо,
Меҳри рухат пардохта аз синаи ранг кинаҳо,
Жўши муҳити кибриё бар қатра баст ойнаҳо,
Моро ба мо кард ошно ҳангомаи мову манат.

Дорам умед аз дарғаҳат эй довари фарёдрас,
Гуяд чи сон ҳамди туро ин бенавои ҳеч кас,
Дар маҳмили шавқи ту дил фарёд дорад чун жарас,
На ишқ донам, на ҳавас, шавқи туам сармоя бас,
Эй субҳ як олам нафас андешаи ҳар масканат.

Девонаи шавқи ту дил дорад суроғат кў ба кў,
Лекин нишони манзилат пайдо нашуд аз ҳеч сў,
Ҳам зоҳиру ҳам ботин халқест андар жустужў,
Хусни ҳақиқат рў ба рў саъй фузули ойнажў,
Бедил, чи пардозад бигў, эй ёфтанҳо жустанат.

Маснавий:

Парипайкареро ки дил хостааш,
Ба васфи мухаммас биоростааш.
Бувад ин мухаммас зи бедоди он,
Ки теғи жафо мезанад ҳар замон.
Ки жаври бутон жумла роҳат бувад,
Ситам гар намояд мурувват бувад.

Мухаммас:

Менга етган новакинг ороми жон дерлар ани,
Захмларким тандадур доғи ниҳон дерлар ани,
Дилда қолғон қонлу пайкондин нишон дерлар ани,
Отган ўқунг жисмима руҳи равон дерлар ани,
Заҳми пайкон йўқ ки чашми хунфишон дерлар ани.

Қоматиға жаннат ичра банда Туби гўйиё,
Бал масиҳ анфосидин дур ки улв ўлуб оби бақо,

Бу чаман узра магарким пешаси бўлмиш ҳаё,
Эгилур гулбун каби гулшанда ул гулгун қабо,
Ким, хиром айларда нахли арғувон дерлар ани.

Қаҳр этган чоғда тўғридур тўфанги кўксима,
Ўқ отар гар бўлса йўқ эрмиш даранги кўксума,
Эл гумон айлар кўранда доғ ранги кўксима,
Нозпарвар дилрабо абру камон дерлар ани.

Ул жафожу бистари ноз узра гоҳе ястонуб,
Гоҳ-гоҳе кўз очиб ноз уйқусидин уйғониб,
Нозу андозу карашма бирла ҳар ён тўлғонуб,
Сурмадин кўзлар қародур орази гулгун ёниб,
Боғ аро кўйса қадам сарви равон дерлар ани.

Оразингдин зоҳир ўлмиш ҳар замон файзи чаман,
Накҳати зулфингдин эрмишдур хижил мушки Хутан,
Нуқтаи холинг занахдонингдадур эй симтан,
Хазр хаттинг чашмаи ҳайвон уза тутмиш ватан
Ким, Масиху Хизрға дориломон дерлар ани.

Маснавий:

Зи Сойиб ки ин як ғазалро бихост,
Ба зайли мухаммас биорост.
Бувад ин мухаммас аз он шахриёр,
Ки ашъори Сойиб шуд ойнадор.

Мухаммас:

Хаёли оразат аз дил бурд фикри тасаллоро,
Кашад рамзи такаллум дар жунун арбоби маъноро,
Ба жонбахши лабат ботил кунад эъжози Исоро,
Сафойи соидат нили шуморад дасти Мусоро,
Баногўши ту созад тоза иймони тажаллоро.

Чи мазмун дошт ё Раб сари баёз номаи қосид,
Ки ақлам бар жунун зад дар ҳавойи жилваи шоҳид,
Муҳаббат файзҳо дорад ки инжо ғофил аст обид,
Тариқи ақро бар ишқ рижҳон мекунад зоҳид,
Асое беҳтар аз сад шамъи кофурист аъморо.

Маро дар хоку хун афканад ёди чашми фаттонаш,
Ба дил парвардаам умре ҳавои захми пайконаш,
Фарангий зодаи дин бегона ва абрўкамон хонаш,
Ба чандин сўзани аолмос ҳайрон аст мижгонаш,
Ниғаҳ аз пой берун овард хори таманноро.

Муҳаббатпешаро сўи ту майле мешавад вар на,
Хароб аз шўхии ҳусни тажалли мешавад вар на,
Агар ёбад касе васлаш туфайли мешавад вар на,
Ба андак нисбате ошиқ тасалли мешавад вар на,
Ба оҳу нисбати дур аст чашми шўхи Лайлоро.

Ғубори ман чу субҳ аз ҳар тараф сайъи нафс дорад,
Ки барад омон он хуршеди тобон дастрас дорад,
Фиғону нолаам дар гўш овози жарас дорад,
Таважжўхи бештар аз ошиқони булҳавас дорад,

Каримон дўст медоранд меҳмони туфайлоро.

Чи мепурси аз аҳволи мани мажнуни саргардон,
Зи дасти хубруён дил ба ғорат додаи ҳижрон,
Ба сад меҳнат расондам хешро дар кўйи он жонон,
Баҳамдуллоҳ намурдам он қадр к-зи гардиши даврон,
Қадаҳ дар даст, мино дар бағал дидем тақворо.

Ба ҳар сў меравам ному нишони худ намедонам,
Чу мурғ пайи пару бол ошиёни худ намедонам,
Ба ғорат рафтаи ишқам фиғони худ намедонам,
Хумор олудаам суду зиёни худ намедонам,
Ба як паймона савдо мекунам дунёву уқборо.

Чи мепурси зи шавқи интизори хотири мажнун,
Манам жўёни халлоке ки ҳаст ў қодири бечун,
Чаро пайваста меноли ба кўҳи водии ҳомун,
Ки аз ишқи ҳақиқи нест дарде бар сари Мажнун,
Ба чашми оҳувони мушкинхумор чашми Лайлоро.

Зи девони сухан гар бишнавад ҳангомаи Сойиб,
Барад боди сабо дар куйи жонон номаи Сойиб,
Агар аз баҳр меорад бурун алломаи Сойиб,
Дар он кишвар ки гардад гуҳарафшон хомаи Сойиб,
Раги абри баҳорро мекунад тумори даъворо¹⁶⁰².

Эй худойим, сенинг ишқингдаги синиқ дилдан нималар чиқиши ва итоатинг учун боғланган кўлдан нималар келиши кўриниб турибди. Илоҳо. **Байт:**

Ҳар чанд набошад суханамро сару бун,
Аз чошнии қабул бе баҳра макун.
[Сўзим нечоғлик бошу оёқсиз бўлса-да,
Унинг фойдасидан куруқ қолмагин].

Фузалодан ҳар бирининг ўз китобларида бирор йўсиндаги қиссани баён этиши вазифа саналгани каби фақир ҳам ўзгарувчан олам бошимга солган воқеа ва ҳодисаларни бекаму-кўст ҳамда иборалар либоси, истиоралар кийимини кийдириб, қисса силкига тердим ва Аллоҳга шукрим, мана мақсад манзилига етишгандай бўлдим. **Маснавий:**

Зи ман болотарон ин нақл гуфтанд,
Ба бозуи касон ин нақл суфтанд.
«Ба давлат доштан андешаро пос,
Нашояд лаъл суфтан жуз ба алмос».
[Мендан-да улуғлар буни айтганлар,
Бошқалар ҳам буни тасдиқлаганлар:
Андиша қилмоқ давлатдир,
Зеро олмос билан лаълга ишлов берадилар)

Назм:

Ҳар ки омад ҳикояти нав сохт,
Илму дониш аз сухан афрохт.
Чун баҳори ҳаёти у Дай шуд,
Номаи зиндагонияш тай шуд.
Дигаре гулшани сухан орошт,
Достони наву куҳан пирост.
[Келган киши янги ҳикоя тўқийди,
Илму донишини сўз билан ошкор қилди.
Унинг умри хазон бўлганида,
Ҳаёти китоби ҳам тугади.

¹⁶⁰² Бу мухаммас XVIII асрда Эронда яшаган Сойиб Табрзий ғазалига боғланган.

Бошқа одам келиб янги қисса бошлади,
Янги ва эски дostonлар куйлади)
Ул Аллоҳи таоло муваффақ айлагувчи ва мададкордир.

Гапнинг қисқаси шуки, Муҳаммадалихон мода ҳукумат ўриндигига ўтиргач, Фарғона мамлакати юмушларини ҳурмат-эътиборли амирлар қўлига топшириб, ўзини ўйин-кулги, айшу ишрат ишлари учун тайёрлади. Саккиз кундан сўнг менга амир Умархоннинг тоғ сағрили елдек учар эгар-жабдуқли хос отини ва марварид қадаб тикилган бўрки, қора тулки терили пўстинини хос мурассаъ камари билан бирга бериб, қўлимга Тўрақўрғон, Намангон ва Косон ҳукуматини бошқариш ёрлиғини инъом тариқасида тутқазди ва ўша тарафга кетишимга рухсат берди. Фақир Муҳаммадалихон модадан кетишга ижозат олиб чиққач, Саййид Ғозихожа *файзий*, Саййидкули *девонбеги* билан мазкур вилоятлар сари юзландим. Сайхун дарёсидан кечиб, Тўрақўрғон шаҳрига кириб бордим. Ул мамлакат ишлари учун киришиб, халқ ва сипоҳ аҳволини ўнглаш юзасидан тадбирлар ўтказдим.

Гапнинг қисқаси, амир Олимхон ва амир Умархон замонида давлат ишлари бўйича кўп маслаҳатлар қиблагоҳ отам томонидан амалга ошар эди. Шу сабабли мансабдорларнинг кўпчилиги зотида бўладиган рашк ва ҳасад оташи бошқа давлат устунлари сийнаси ўчоғида гуркираб ёниб, айниқса, бир нечта Шамрнасли малъунлар бариси ўз ҳимматини жаноб қиблагоҳ отам ва менинг ҳаёт дарахтзоримизнинг мақсади ҳосиллик мулки ниҳолларини чақимчилик ва тухмат шамоли билан сўлдириш, қуритиш ва тагидан қулатиш сари қаратдилар. Бизнинг эътибор ва ихтиёр ариғимизни тубанлик ва машаққат тупроғи билан қориштириш, давлат маслаҳати жиловини ўзларининг қудрат қўлига олиш учун киришдилар. Маълумки, улар бу ишни жаннат макон амир Умархон даврида ҳам амалга ошириб, аммо, сира ҳам ниятларига етмаган эдилар. Муҳаммадалихон мода ҳукумати айёми бошида ҳам яна ёмонлаш тилини ғийбат билан очиб, бу гал сўзлари ул Шамрмашраб таъбига мос тушди ва бу ғаммозларга мазкур ишда шерик бўлди. **Қитъа:**

Маандеш дар ҳаққи мардум бади,
Ки ори бало бар сари хештан.
Набини ки ранжи фаровон кашад,
Ки чоҳе канд баҳри мани чоҳкан.
[Одамларга ёмонликни ўйласанг,
Ўз бошингга бало келтирасан.
Кўрмайсанми ҳолин, кўп азоб чекар,
Мен қудуқ қазувчига чуқур қазиган].

Ўша кунисиёқ Саййид *додхоҳ* ва Самандарбийни жаноб қиблагоҳ отам ҳузурига юбориб, уларга «Амир Олимхон ва амир Умархон замонида эшон ҳазратлари бир неча бор байтуллоҳ томон отланмоқчи бўлгандилар, алар эса ҳажга кетиш учун рухсат бермагандилар. Ҳозирги айёмда, жаноб саййидлик паноҳи ҳақида дўсту душман бизга ҳар хил гапларни айтмоқда, биз эсақ улар сўзини бир пулга олмай, ҳурматимиз исботи сифатида шуни муносиб кўрдикки, лутф айлаб Маккаи муаззама сари ташриф буюрсалар». деган сўзларини етказишни буюрибди. Ул икки сипоҳини қиблагоҳ отам ҳузурига жўнатгач ва улар Муҳаммадалихон мода олдидан топшириқни бажариш учун рухсат олиб чиқишгач, фақирнинг чорбоғи томон юзландилар. **Байт:**

Ман дар андеша ки чун соя кунам бар сари ў,
Ў дар он ғам ки чи сон бар канадам бунёдам.
[Мен унинг устига соя ташлаш ғамидамен,
У эса қандай қилиб илдизимни кўпориш ўйида].

Иттифоқан, жаноб қиблагоҳим боғдан чиқиб шаҳарга кетаётган эканлар. Йўл асносида ўша икковига дуч келибдилар. Уларнинг кўзи жаноб қиблагоҳимга тушиб, дарҳол отдан тушганча таъзим қилишибди ва ўз отларига мингазишибди. Жаноб қиблагоҳим улардан ҳол-аҳвол сўрабдилар. Улар эса бўлган воқеани баён қилишибди. Жаноб қиблагоҳим доимо иши эгри юришдан иборат бўлган фалакнинг яна янгидан қандай ўйин бошлаганини англаб, улар жавобида «Муҳаммадалихон айна дилимиздаги муддаони айтибди, бир умр шу орзу кўйида юрган эдик. Аммо, бу истагимиз ҳеч муяссар бўлавермаганди. Энди орзуимиз ушаладиган бўлибди, жуда хурсандимиз, **Мисраъ:** Бар забон буд туро ончи маро дар дил буд (Сенинг тилингдаги нарса менинг дилимда эди]. Бироқ, ўзим бориб, Муҳаммадалихондан фотиҳа оламан ва сўнг байтуллоҳ сафарига чиқаман» деганча сарой сари юзланибдилар. Ул икки *сардор* йўлини тўсиш қанчалик қаршилиқ қилишга уринишмасин, уддалай олишмабди. Жаноб қиблагоҳим саройга етишгач, бу гапни Муҳаммадалихон мода эшитиб, ҳайрат бармоғини тишлабди ва қаттиқ кўрқувга тушиб, тол япроғидек титрай бошлабди. Олдида турган амирлар қарашса, Муҳаммадалихоннинг табиатида ваҳима туйғуси ғолиб келиб, дағ-дағ қалтирашга

тушган. Ноилож, ташқарига югуриб чиқиб, жаноб қиблагоҳимни амир девонхонаси сари бошлаб кетишибди. Деярлик икки соатча ўша ерда ўтирибдилар ва тақдир корхонасининг иш бажарувчилари нурли қуёшни думалоқ осмон қасрининг бекиниш хонасига элтишгач ҳам бирон хабар бўлавермагач, бу ҳолни кўрган қиблагоҳим ширин жонидан тамомила қўл ювиб, ушбу **байт**ни ўқибдилар:

Пас аз гул боғбон беҳурмати бинад ажаб набувад,

Сазояш ин бувад аз ҳамнишинон зинда мемонад.

[Боғбон гулни етиштиргач эътибордан қолса не ажаб,

Ўтириб-туришганларидан орқада қолганнинг жазоси шу-да].

Ўша зайл тирик қолишдан умидини узиб ўтирган қиблагоҳим Ҳаққулибийни ёнига чақириб, белидаги олти минг тилло харж қилиб ясаттирган мурассаъ камарини ечибди ва манавини сотиб, кимнинг бўйнимизда ҳаққи бўлса, шу маблағ ҳисобидан тўланглар, дебди. Шу аснода Муҳаммадалихон моданинг ишончли одамларидан бир гуруҳи кириб, амир жаноблари Сизга ҳаж сари рухсат бердилар, марҳамат қилганча ташриф буюрар экансиз, дейишибди. Жаноб қиблагоҳим ҳам индамай, шу айттириб юборилган сўзлар асосида Тошканд сари равона бўлибдилар. Сафар учун нима лозим нарсалар бўлса, Муҳаммадолим *махрамбоши*¹⁶⁰³ исмли хизматкор еган тузини оқлаб, ўн битта одамни ёнига солганча кетларидан Тошкандга етиб борибди. У ердан отланиб, ҳозир Туркистон номи билан юритилувчи Ясси шаҳрига кириб борибдилар. **Мисраъ:** Ҳар ки бар даври буте паймонае нўшиду рафт (Ҳар ким бир санам ёнида бир қадахни сипқорди-ю, кетди). Икки-уч кун ўша ерда жаноб қутб ал-авлиё Хожа Аҳмад Яссавий зиёратини адо этгандан сўнг у ердан қўзғалиб, Хоразм карвони билан Урганч вилояти сари юзланишибди. Бир неча масофани босиб ўтгач, қиблагоҳим ул вилоятга етишибди. Буни эшитган Муҳаммадраҳимхон ўзининг Раҳмонқулихон исмли кичик ўғлини бир неча амирлари билан бирга эшон жанобларини тўла иззат-икромда кутиб олиш учун юборибди, улар ана шундай чексиз ҳурмат билан қиблагоҳим истиқболига пешвоз чиқиб, Хива шаҳрига олиб келибдилар. Муҳаммадраҳимхон ўз ўрнидан турганча бир неча қадам илгари босиб, марҳаматли бағрига босибди ва битмас-туганмас меҳр-муҳаббатлар кўрсатибди. Сўнг муносиб бир уйга жойлаштириб, зиёфатлар уюштирибди. **Байт:**

Мусофирро мужовир ба жон парварад,

Ки номи накўяш ба олам барад.

[Мусофирни ёнидаги одам тарбият этса,

Унинг номи яхшилиқ билан оламга танилади].

Қиблагоҳ отамни ўша Хўқанддан чиқариб юборган пайтда Муҳаммадалихон мода неча бир ўй ва иккиланиш билан Эрназар *деворбегини* менинг ўрнимга ҳоким қилиб юборди. Ул амирлик паноҳи Муҳаммадалихон модадан топширикни бажариш учун рухсат олиб, айни замонда яшашдан ҳам умидини узганча «лоҳавла» калимасини қайтариб, Тўрақўрғон сари юзланди. Дарёдан кечиб ўтгач, ул шаҳарга яқин ерда қўш ташлади. Сўнг ўзининг икки нафар ишончли кишисини хабар олиш учун олдимга жўнатди. Чунки ўша пайтда олдимдаги тўрт минг нафар жасур жангчиларим битта ишоратимга шай туришар ва не топшириқ берсам сўзсиз бажришар эди. Ул амирлик паноҳи эса олдимга бор-йўғи йигирма нафар киши билан жўнатилган эди. Ҳалиги иккита давлатхоҳ ёнимга келгач «жаноб қиблагоҳ отангиз сипоҳигарлик ишидан қўл силтаб, ҳаж иродасини қилдилар ва Муҳаммадалихон маслаҳатига кўра бувилоят ишларини Эрназар *деворбегига* топширдилар. Мазкур амир ҳозир шаҳардан ташқарида турибдилар» дейишди.

Беғуноҳ каминанинг Муҳаммадалихон мода томонидан тутқунликка тушгани зикри

Доноларнинг қуйидагича айтганларидек, **байт:**

Дар боби ман зи рўйи ҳасад як-ду носипос,

Дамҳо заданд кўраи тазвир тофтанд.

Ва андар шаби зуллом ба сайъи камоли фикр,

Мўйи ғараз ба новаки ҳийлат битофтанд.

Рағман бо ҳам ҳама неки ба ман расид,

Эшон жазойи феъли бади хеш ёфтанд.

[Менга ҳасад қилиб бир-икки ношукр,

Пуфлаб, фиреб кўрасин қизитдилар.

Қоронғу тунда кўрсатиб ҳаракатлар,

¹⁶⁰³ Маҳрамбоши – сарой маҳрамларининг бошлиғи.

Ғараз толасин хийла киприги билан очишди.
Мендан кўрган шунча яхшиликка қарамай,
Улар ўз ёмон феълининг жазосин топишди].

Камина бу хабарни эшитгач, зангори чарх мен саргаштага нисбатан қандай ўйинлар кўзгаганини англадим. Аммо, буни билсам-да, ҳақ бўлиш юзасидан дарҳол мазкур амирни кутиб олиш учун одам жўнатдим. Шу заҳоти амирларим ёнимга тўпланиб, фалак Сизга нисбатан бошқача усулни раво кўрмоқда, демак, тўғри йўл шуки, Эрназарбекни ушлаб, барча кемаларни дарёнинг биз турган қирғоғига тортиб келтириш ва урушга тайёр бўлиб туришдан яхшиси йўқ, дейишди. Чунки, ҳақиқатдан ҳам ҳавонинг бу қадар совуклигида хоннинг дарёдан ўтишга уриниши ақлга сиғмайдиган иш эди. Устига-устак шу аснода Муҳаммад *девоубеги* амир Олимхоннинг Оталиқхон номи билан танилган ўғли Иброҳимхонни Даҳкат¹⁶⁰⁴ қалъасида кўйиб, Хўжанд қалъаси аҳволини танг қилган палла эди. Тағин Хўқанднинг анчагина амир ва амирзодалари менинг олдимда эдилар. Шунга кўра, фақирнинг тарафдорлари илтижони ҳаддан ошириб «Муҳаммадалихоннинг ушбу маҳалда ҳаракатланишга ҳеч бир имкони йўқ, Сизнинг эса ана шундай қулай фурсатни кўлдан бериб, ўзингизни хавф-хатар ва ҳалокат гирдобига ташлашингиз ақлдан эмас» деб туриб олишди. Фақир ўз амирларим оғзидан бу сўзни эшитгач, фикр денгизига чўмдим. Анча ўйлангач «мен ҳеч кимга ёмонлик қилмадим ва худо хоҳласа ёмонлик қилмайман ҳам, ўз йўлимда тўғриман. Ким эгри бўлса, унинг жазосини вожиби таоло бергусидир. Бир ўзимнинг ҳаётим учун бутун оламини азоб ва қийинчиликка ташлашни ўзимга муносиб иш деб билмайман ва бу ёмон отни ҳам ўзимга ҳеч раво кўрмайман» дедим ва ушбу **байт** тилимдан жорий бўлди:

Саъдиё, ростравон гўйи саодат бурданд,
Рости кун ки ба манзили кажрафтор.
[Эй Саъдий, тўғрилар бахт тўпин олишди,
Тўғрилиқ қил бу эгрилик манзилида сен].

Катталар мендан бу сўзни эшитгач, барчаси ноумид бўлдилар. Фақир дарҳол Эрназарбекни чорлаб, вилоятни унга топширдим. Ўз жойимга ўтқазиб, қирқта *маҳрам* билан Хўқанд сари юзландим. Ахир демишлар, **байт**:

Мурғи дастомўзро чандон ки кас дур афканад,
Бо нишоти бол ояд боз чун гўйи «биё».
[Қўлга ўргатилган қушни узоққа отсалар ҳам,
«Кел» десанг яна шодлик билан қайтиб келади].

Тезликда Сайхун дарёсидан кечиб ўтдим ва ярим тунда Хўқанд яқинига етишдим. Бу хабарни эшитган Муҳаммадалихон мода ва ёнидаги амирлари ҳайратдан донг қотиб қолишибди. Чунки, мендан сира ҳам буни кутишмаган экан. Ишқилиб, қирқ нафар урушга ҳозир отликни олдимга юборишибди ва улар Хўқанддан бир фарсах ташқари ерда менга дуч келиб, жуда одоб билан муомала қилдилар. Шаҳар четига шу дала ерда фақирнинг бир чорбоғи бўлиб, номи «Навбахор» эди. Жуда бир тароватли ва файзли боғ эди. Шу ерга бир иморат курдиргандим, олий бир бино бўлганди. Ўша уйга тушдим. Қуёш лашкарининг шўъла сочувчи найзалари юлдузлар подшоси кўшинини ҳайдаб солган, яъни, **байт**: – Сабоҳе ки офтоби олам афрўз, Сари шабро жудо кард ва тани рўз (Оламини ёритувчи қуёш тун бошини кун танидан жудо қилган бир) бомдод маҳали Муҳаммадалихон мода томонидан ҳар бири Умар Саъд ва темир жавшанли Шимрни ўз хизматкори ўрнида кўрувчи икки юз нафар афғон ва марвлик топширикни бажариш учун рухсат олиб, тезликда камина ўтирган қасрни «мим» ҳарфининг тор доираси каби қуршаб, қочмаслигим учун фақирни кўриқлашга киришдилар. Кечаги қирқ *маҳрам*дан эса ёнимда фақат тўртгинаси қолди. Бошқа ҳамаси уйларига кетишди. **Байт**:

Зи бедавлат гурезон бош чун тир,
Ватан дар кўйи соҳибдавлатон гир.
[Давлатсиздан ўқдек қочгувчи бўл,
Давлатли кишилар кўчасида ватан тут].

Тузимизни еганлардан қайси бирининг димоғига вафо иси кирган бўлса, келиб мени кўришар ва аҳволимни сўрашарди. Димоғи вафо тароватидан узоқ кўрнамаклар эса бизни йўқламасди. Айтмишлар, **қитъа**:

Ҳавои жаҳонро сафое надидам,

¹⁶⁰⁴ Даҳкат/Деҳкат, қалъа – Даҳкат/Дукенттепа Оҳангарон дарёси ирмоғи Дукентсойнинг ўнг қирғоғида, Ангрен шаҳридан тахминан 8 км шимолдаги Дукент қишлоғида жойлашган. Даҳкат олтин ва кумуш конларига бориладиган йўл ёқасидаги муштақам қалъа-шаҳар ҳисобланган.

Жаҳони вафоро ҳавое надидам.
 Ба поён расида шаби умр ва ҳаргиз,
 Зи шамъи омони зиёе надидам.
 [Жаҳон ҳавосида сафо кўрмадим,
 Вафо оламин хуш ҳаво кўрмадим.
 Умр туни тугаб қолди-ю, сира ҳам,
 Омонлик шамида зиё кўрмадим].

Тун ярмидан оққан бир оқшомиси ёнимдаги ғулом бола ташқаридан йиғлаб кириб «бир неча вақтдан бери ўнта қонхўр жаллод ўткир қиличлари билан кўшк олдиға яқинлашиб, Сизни ўлдирмоқ ишини бир-бирига юклашганча эшик олдида туришибди. Аммо, улардан ҳеч бири журъат қилиб, олдинга бир қадам ҳам отмаяпти» деб қолди. Фақир ғулом боладан бу сўзни эшитгач, дарҳол ушбу туркий байт тилимдан жорий бўлди, **байт:**

Магар теғ урса ул золим буйин сунмай нетай ахир,
 На янглиғ келса буйин тўлғатай ҳақни қазосидин.

Ўтга тушган исириқ каби дарҳол ўрнимдан сакраб турдим ва ёнимда сув тўла қумғон турган эди, шуни олиб тез таҳорат қилдим ва икки ракат нафл намозини адо қилдим. Сўнг ўлимимни кутиб ўтирган кўйи дердим, **қитъа:**

Ба солҳойи фаровон, умрҳойи дароз,
 Ки халқ бар сари мо бар замин бихоҳад рафт.
 Чунон ки даст ба даст омада аст мулк ба мо,
 Ба дастҳойи дигар ҳамчунин бихоҳад рафт.
 [Кўп йиллар ва узоқ замонлардан буён,
 Бизнинг давргача нечалар тупроққа кетган.
 Мулк бизга бировлар қўлидан етиб келгани каби,
 Биздан ҳам бошқалар қўлиға ўтиб кетар].

Бирор фурсатдан сўнг ҳалиги қулвачча энди шоду хуррам кириб келиб «уйга кирмоқчи бўлиб турган бояғи ўн нафар киши ёниға Муҳаммадалихоннинг бир нечта *маҳрами* шошилганча келиб, уларни қайтариб олиб кетишди» деди. Бу хушхабарни эшитиб, ҳазрат хуойи таоло шукронасига машғул бўлдим ва манави **қитъани** ўзимнинг ушбу аҳволим баёнида дедим:

Ду рўз ҳузур кардан аз марг раво нест,
 Рўзе ки қазо бошаду рўзе ки қазо нест.
 Рўзе ки қазо бошад кўшиш накунад суд,
 Рўзе ки қазо нест дар ў марг раво нест.
 [Икки кун ўлимдан ҳузур қилиб яшаш йўқ,
 Бир кун қазо бўлади-ю, бир кун қазо йўқ.
 Қазо келганида барча уринишлар беҳуда,
 Қазо келмаган кун эса ўлмоқ раво эмас].

Ва фақирни қўриқлаш учун қўйилган айтганим дев кўринишли малъунлар кечаси кўшк атрофида машғаллар ёқиб, ўт-оловлар қалаганча яланғоч қиличларни қўлида ушлаб камина ўтирган уйнинг атрофини гир айланиб, ҳой-хуй деган товушлар чиқарганча тонг оттиришарди. Айни ўша кунлари каминанинг ичи қотиб, ундан ич кеткизадиган дори билан кутулмоқчи бўлдим. Шунинг учун *маҳрамимни* сургич дори олиб келиш учун бозорга жўнатдим. Ул гаранг *маҳрам* нодонлик қилиб, сургич дори ўрниға икки юз дона «хубб ас-салотин» келтирди. Иттифоқан, ўша чоғда камина таҳорат учун ташқарига чиққан бўлиб, кўзим посбонларға тушди. Дикқат билан қарасам, ҳаммасини ғафлат уйқуси олиб қочибди. Катта бир қозонда эса шўрва биқирлаб қайнаб, унга қарайдиган кимса йўқ. Бу яқин атрофда фақирдан бошқа бирон пашша ҳам қанот қоқмаяпти. Аввалиға қочмоқчи бўлдим, аммо, тагин мардлик ҳисси ғолиб келиб, бошимдан бу хаёлни қувиб солдим. Шу сабабли бундай савдонинг баҳридан кечдим. Аммо, буни қарангки, ана шундай қайғули бир дамда табиатимни бир шўхлик қилиш туйғуси шундай қамраб олдики, асти қўяверасиз. Ҳеч бир йўл билан бу истакдан воз кечишнинг иложи бўлмади. Ноилож, ўша икки юз дона «хубб ал-мулук»ни секин келтириб, ҳалиги қозонға ташладим ва жуда эпчиллик билан ўтирган жойимға қайтиб, бемалол ва ўзимни ҳеч нарса билмаганға солиб ўтирдим. Бу ишимдан биронта одам хабар топмади. **Мисраъ:** Хитой расмида дерлар ки «Лую тажамла лую»¹⁶⁰⁵.

¹⁶⁰⁵ Дард берганиға чида маъносида.

Алқисса, ул гумроҳлар ғафлат уйқусидан уйғониб, ўта бир иштаҳа билан шўрвани паққос туширишди. Бироз вақт ўтгач эса ҳар бири қорнини чангаллаб, иштонини қўлтиқлаганча чаҳорбоғ бурчагига югур-югур қила бошлади. Қаср эшиги олдида каминадан бошқа бирон киши қолмади. Бу аблаҳларнинг табиатида дору икки томондан шу даража амал қилган эдики, сўзлашга ҳам, ҳаракат қилишга ҳам кучлари етмасди. Ҳар қайсиниси бир бурчакка думалаб, не азобу машаққатда онгини билмай думалаб ётишарди. Натижада, бир нечтаси хатарли касалга дучор бўлишди, бир нечтаси эса шу заҳотиёқ оламдан ўтишди. Мен эсам томоша қилганча ўзимни ҳеч нарсани билмайдиган киши каби тутиб ўтирардим. Ниҳоят, бу хабар эртаси куни Муҳаммадалихон модагача етиб борди. Ул аблаҳ иккита *махрамини* юбориб, мендан бу воқеанинг келиб чиқиш сабабини суриштирди. Мен эсам уларга қараб «хон фақирни уларга топширган, уларни менга эмас, шунинг учун нега мен улардан хабардор бўлиб туришим керак экан» дея жавоб бердим. *Маҳрамлар* мендан бу жавобни эшитгач, Муҳаммадалихон мода олдида бориб, мазкур жавобимни етказишди. Ул аблаҳ бирон нарса демабди. Эртаси куни ул касал бўлган малъунлар ўрнига бошқа итлар келишди. Бу аблаҳлар бўлиб ўтган воқеани ўзича тушуниб, бошқа нарсага йўйишган ва улар ўзидан қўрқиб¹⁶⁰⁶, фақирга яхши муомалада бўлишди.

Сўзамоллик билимдонлари кўнглидан яширин қолмасинким, гарчи мазкур сўзларни бу ерда ёзув ипига теришга ҳожат бўлмаса-да, аммо, бир сабаб билан битилди. Умид шулким, қабул лутфи-карами билан афв этсалар.

Алқисса, камина тўрт ой давомида шу янглиғ Муҳаммадалихон мода томонидан амалга ошган уй тутқунлигида қолиб кетдим ва ҳар оқшом кўнглимга ўлим даҳшати ўзидан дарак бериб турди. Неча бир қўрқув ва ҳадик билан умр кечирдим. Иттифоқан, тунлардан бир тун жуда бир мунг ва қайғу билан ҳазин ўтирганча, **байт:** Давлати гети ки таманно кунад, Бо ки вафо кард ки бо мо кунад (Жаҳон давлатини истаган кишига у қачон вафо қилибдики, бизга вафо қилса), қабилидаги гапларни кўнглидан ўтказиш асносида кўзимни уйқу элитибди. Уйқуга кетиб, рўё оламида қуйидагиларни кўрдим: Катта бир дарё бўйида ҳусну жамолда баркамол киши турибди, ёнида тағин икки нафар одам кўринди ва улар ҳам жуда бир фариштали кишилар эди. Фақир улардан нарироқдаги бошқа бир кишидан буларнинг кимлиги ҳақида сўрадим. У одам «анави ёлғиз тургани ҳазрат Муҳаммад – *аларга салоту саломлар бўлсин* – ва ул икки кишидан бир ҳазрат Умар Форук, иккинчиси Хайдари Каррор – *улардан Аллоҳ рози бўлсин* – турурлар» дея жавоб берди. Бу сўзларни ул шахсдан эшитгач, танимга титроқ кирди. Ҳазрат Хайр ул-башарнинг муборак оёқларига йиқилмоқчи бўлдим. Аммо, айни шу чоғда уйқудан уйғониб кетдим ва ўзимни мутлақо бошқача сеза бошладим. Бу тушни солиҳа рўёлар жумласидан деб билдим. Бу туш Пайғамбар алайҳисалом «Кимки тушида мени кўрибди у мани кўрибди, зеро шайтон менинг шаклимда бўлмас» деган шарифи ҳадисдаги каби эди, тумтарок тушлардан эмасди. Сўнг кўнглини борлиқ сари тўқ тутиб, қутулиб кетиш онларимни кутиб ўтирдим.

Фақирнинг Муҳаммадалихон мода тутқунлигидан қутулиши ва ғариблик сари юз тутиши зикри

Ўша воқеадан уч кун ўтиб, тунлардан бирида тонг отишига яқин қолган маҳал неча бир ғам-ғуссада эҳтиёж юзини улуғ зот даргоҳи сари қаратиб ўтирарканман, тўсатдан чорбоғ ташқарисида одамлар овозининг кўпайганини эшитдим. Шунда қилич яланғочлаган бир гуруҳ одам жуда тезлик билан келиб, мен ўтирган девонхона эшиклари оғзида туришди. Фақир бу ҳолни кўриб, жонимдан бутунлай умид уздим. Муҳаммадалихон моданинг жуда бир яқин надими бўлиб, ногаҳон, бу келганлар орасида ўшага ҳам кўзим тушиб қолди. Унинг ҳам кўзи менга тушгач, югуриб олдимга келди ва жуда одобу эҳтиром ила «Муҳаммадалихон фақирни ўз номидан Сиз жанобнинг кўнглингизни тинчитиш учун юбордилар» деркан сўзининг тасдиғи учун анча қасамлар ичди. Сўнг «Сиз жанобларига ҳам ҳаж сари рухсат бердилар» дея қўшиб қўйди. Бу охирги сўзларини эшитгач, кўнглимга бироз ишонч деган нарса йўл топгандай бўлди. Посбонликда турган шайтон сифатлар Муҳаммадалихон моданинг энг яқин надимидан бундай ҳаракатларни кўргач, барчаси бирдек каминага ҳурмат кўрсатишга киришдилар. Дарҳол йўрға от муҳайё қилишди ва фақир отга миниб, ул тўнғиз галаси орасида кета бошладим. Шаҳардан ташқари чиққач, тонг ҳам отди. Шунда ҳибсда турган Фозилбек ибн Норбўтабий валинеъматнинг ҳам ватанни тарк этиб, уни Азимбой *дохох* ва Тангриқул *шиговул*¹⁶⁰⁷ ташқарига олиб чиқиб, мени кутиб туришганини кўрдим. Бир-биримиз билан

¹⁶⁰⁶ Улар буни эшонзода Ҳакимхон тўранинг кароматига йўйишган, аммо, муаллиф бу кабиларни бидъат деб билгани учун гапни очиқ айтгиси келмаяпти.

¹⁶⁰⁷ Шиговул/шаговул — сарой мансаби. 1) Бухоро хонлигида элчиларни хон қабулига олиб кирувчи мансабдор шахс. Саройдаги қабул маросимларини бошқарган ва назорат қилган; 2) Хива хонлигида меҳтарнинг ёрдамчиси бўлиб, ажнабий

учрашиб, хол-аҳвол сўрашдик. Билсам, мен ва Фозилбек бечора ҳалигача банди эканмиз. Амирлар икки юз нафар жангчи билан бизни кузатиб кетишаркан. Бошларимизни эгиб, эзилиб-сиқилганча уларнинг олдига тушиб, бегона юрт сари юзландик.

Дарёдан кечиб ўтгач, Шаҳидон мавзесига кириб бордик. Ўша окшомиси амир Умархоннинг надими бўлган Муҳаммадюсуф *тунқотар* фақирнинг икки хизматкори билан кетимиздан етиб келди ва «Муҳаммадалихон мени Туркистон вилоятигача Сизни кузатиб бориш учун жўнатди» деди. Эртаси куни у ердан кўчиб, икки манзил юргач, Тошканд шаҳрига етишдик. Лашкар *қўшбеги* бизларни яхши бир уйга туширди ва меҳмондорчилик қилди. Бу воқеалардан илгари амир Умархон ҳузурида Хўқандда пайтим саройда офтоб сиймоли бир хушсурат ва мўйлови энди сабза урган ўспирин йигит бўлиб, Тошканд вилоятининг улуғзодаларидан бирининг ўғли эди ва камина у билан дўст тутинган эдим. Мен билан бу йигит орамиздаги дўстликдан ҳамма хабардор эди. Зиёфат пайти бирдан кўзим ўша ёқтирган йигитимнинг отасига кўзим тушди. У бу ерда биз билан боғлиқ ишларга мутасадди, аниқроғи, янглишмасам, Тошканд ҳокими уни бизни кўриклаш учун қўйган эди. Дарҳол уни ўз ёнимга чорладим ва боласи ҳақида суриштирдим. У эса «икки-уч кун бўлди фарзандим бўлмиш хизматкорингиз Хўқанддан келиб, ўқиш ишлари билан машғул» деб қолди. Бу хушхабарни эшитгач, қувончдан теримга сиғмай кетдим. Дарҳол *маҳраим*ни дўстимнинг отасига қўшиб, ҳоким олдига жўнатдим. Улар Лашкар *қўшбеги* ҳузурига бориб, илтимосимни айтишди. Лашкар *қўшбеги* ҳеч пайсалга солмай, ул йигит билан учрашувимизга рухсат берди. Ўша кечани йигитни интизорлик билан кутиб ўтказдим. Эртасига ул йигит шарқ қуёши мисол отаси ёнида саллона-саллона келмоқда эди. **Рубоий:**

Дидам санама ки бо падар меояд,
Аз тарси падар тарзи дигар меояд.
Кош он санами сарвқади симандом,
Монанди Масих бе падар меомад.
[Кўрдим отаси ила келур бир санам,
Кўрқиб отадин ўзгача ташлар қадам.
Кошки ул сарвқад, кумуш бадан санам,
Исодек келса ёнимга отасиз бир дам].

Девонхона яқинига келгач, қарасам, эгнида яшил тўн, бошида қизил салла. Дарров ўтга тушган исирик каби ўрнимдан сапчиб турдим ва муҳаббатли бағримга қаттиқ қисиб, кучоқлаб кўришдим. Дўстимни кўриб, ёмон бир туйғулар оғушида қолдим ва абри навбахор каби зор-зор йиғлашга тушдим. У ҳам менинг бу аҳволимга қараб, кўз ёши қилди. Бироздан сўнг ўтиришимиз қизиб, бутун кечаси билан бир-биримизга ғаму шодлигимиз ҳақида сўзлаб, ҳасратлашиб чиқдик. **Байт:**

Ту чу мерави аз пешаш ба рухаш наззора кун,
Ки умеди боз гаштан кас аз ин сафар надорад.
[Кетмоқдасан олдидан, боқиб қол юзига яхшилаб,
Ҳеч ким қайтмоқни этмас умид бу сафардан].

Хулласи калом, ўша кунисиёқ Тошканд ҳокими сафар анжомларини муҳайё қилиб қўйди. Азимбой *додхоҳ*, Тангри қули шиғовул ва Муҳаммадюсуф *тунқотар* фақирни кузатиб қолишди. Фақир ҳам ул сарвқад йигитдан ушбу байтни бир неча бор эшитдим. **Байт:**

Рафтем мо ва дарди ту бурдем ёдгор,
Бар ёди мо ту ҳам дили худро нигоҳ дор.
[Кетарканмиз дардингни ҳам эсдаликка олдик,
Бизни эслаш учун сен ҳам дилингни асрагин.]

Барча молу мулким ва юртимдан бутунлай кўнгил уздим. Фозилбек ва мени кўриклаш мақсадида Тошканд ҳокими ёнимга қўшган юз киши билан бегона мамлакат сари юзландим. **Байт:**

Агар пурсанд ки он мискин кужо рафт,
Бигў бигрехт аз дасти замона.
[У бечора қаён кетди деб сўрасалар гар,
Дегил сен: замона дастидан қочди ул].

Арас дарёси¹⁶⁰⁸ қирғоғига етишгач, ўша окшомиси Муҳаммадюсуф *тунқотар* билан бирга Муҳаммадалихон моданинг бир сипоҳиси ҳам орқамиздан келиб қолишди. Уларни кўрганим заҳоти

элчиларни қабул қилиш ва уларнинг таъминоти билан шуғулланган. Шиғовулларнинг фаолияти «бухрилар» (айғоқчилар) фаолияти билан яқиндан боғлиқ бўлган. Улар мустақил равишда дипломатик музокаралар олиб боришмаган. Қўқон хонлигида юқори сарой ва девон амалдори.

¹⁶⁰⁸ Арас/Арис – Чимкентдан Сирдарёга оқадиган дарё номи.

энди буёғига тирик қолишдан умидимни бутунлай уздим. Аммо, билдирмай, улардан ҳол-аҳвол ва «йўл бўлсин» сўрадим. Келганлар «бизга Муҳаммадалихон, Ҳакимхонни то Туркистон вилоятигача кузатиб бориб қайтинглар, дея буйруқ берди, ҳузурингизга ана шу топшириқ бўйича келдик» дейишди ва ўша оқшомиси Муҳаммадюсуф *тунқотар* ўзининг дилкаш ҳикоятлари ва ичак узди латифалари билан камина юрагидаги ғам-андуҳларни қувлашга ҳаракат қилди. Аммо, мен ўшанда шундай бир ҳолатда эдимки, ҳеч бир йўл воситасида юрагимдаги дарду аламини йўқотиб бўлмасди. Муҳаммадюсуф *тунқотар* эса менинг кунимга қолмагани сабабли бундай ташвишни билмас ўтиришимизда хурсандчилик билан зийнату файз бағишламоқда эди. Чунки, ҳали у эртага ғаддор фалак ўзининг бошига ҳам не ўйинларни солишидан беҳабар эди-да. Гап шундаки, эртаси куни у ердан отланиб, йўл юришга тушдик. Йўл юришимиз асносида Муҳаммадюсуф *тунқотар*га йўлдош бўлиб келган бояги сипоҳи яширинча каминага «Муҳаммадюсуф *тунқотар* ҳам ватандан ҳайдалган, буни фақат Сизга айтаяпман» деб қолди. Бу сўзларни эшитганим заҳоти чунонам кулгим қистадик, кулавериб, хушимдан кетишимга сал қолди. Негаки, амир Умархон даврида бу Муҳаммадюсуф *тунқотар*нинг мен ва Муҳаммадалихон мода ҳамда бошқа эътиборли амирлар билан ҳазил-мутойиба қилиб юриш даражасида яқинлиги бор эди. Бинобарин, бу сирни яшириш фақир учун узрли эмасди. Ноилож, *тунқотар*ни олдимга чорлаб, воқеа аслини сўзлаб бердим. Олдинига ҳазлга йўйиб, ишонмади. Мен эсам қайта-қайта уқтиргач, ўзининг ҳам бу борада бизга шерик эканини англаб етди ва бошини фикр ёқасига тикди. Бироздан сўнг шундай хўнграб йиғладики, еру кўк ларзага келди. Муҳаммадалихон модани ёмон сўзлар билан сўка бошлади. Атрофдагилар, ҳақорат қилманг, дея қанча қаршилиқ кўрсатсалар ҳам фойдаси бўлмади. Ахир бекорга айтмаганлар – яшашдан умидини узган одам, оғзига келган гапни айтади. Аммо, Муҳаммадюсуф *тунқотар* ҳали ҳам умидини узмай, баъзида, ёнимга келиб «балки бу сипоҳи ҳазил қилгандир» деб қоларди. Мен эса **мисраъ**: Дар жон бози чи жойи бози бошад (Жон билан ўйнашишнинг қаери ўйин экан?) дердим. Гоҳида ҳаракатларининг илгари менда рўй бермаган ҳолатлари роса кулгимни қистатарди, гоҳида эса унинг бу аҳволига қараб мисли кўрилмаган даражада йиғлагим келарди. Шундай бир одамни эзувчи оғир кайфиятда йўл босиб борардик. Кўзланган манзилга етгач, кўш ташладик. Бир соатдан сўнг сипоҳилар олдимизга келиб, Муҳаммадалихон бизга, Фозилбекни Муҳаммадюсуф *тунқотар* билан бирга Хоразм томонга юборинглар, деб топшириқ бериб юборганлар. Сизни эса карвон билан Урусия вилояти тарафларга жўнатишади, дейишди. Бу хабарни эшитиб, ҳаммамиз ҳанг-манг бўлиб қолдик. Нима тадбир ўйлаб топишга ақлимиз етмасди. Ноилож, нима десалар, биз ҳам хўб-хўб, дея қабул қилдик. Бирор фурсатдан сўнг мазкур юз кишидан олти нафари келиб, Фозилбекни Муҳаммадюсуф *тунқотар* билан бирга биздан ажратиб, охират сафари сари олиб кетдилар. Яъни, аниқроғи, бир фарсах нарироқ масофага етишгач, ул икки бегуноҳнинг нозанин бошини неча бир хору-зор аҳволда Муҳаммадалихон мода буйруғига кўра нозик танасидан жудо қилиб, шаҳидлик даражасига етказдилар.

Нўғай карвони ҳам етишди, унда беш юзга яқин савдогарлар бор эди. Карвондаги минг туянинг барчаси устига мол юкланган эди. Биз ҳам қўшилиб, ҳалиги тошкандлик юз нафар сипоҳи билан йўлга тушдик. Агар дарахт ҳаракатга келиб, у ердан бу ерга кўчиш имконига эга бўлганда эди, арранинг жабрини ҳам, болтанинг жафосини ҳам тортмаган бўларди. Хуллас, беш манзилдан сўнг Чу¹⁶⁰⁹ мавзесига етдик. Тошканд аскарлари ўша ердан каминадан рухсат олиб, ватан сари қайтиб кетишди. Мен ҳам энди дилдаги барча кўркув ҳисларидан кутулиб, вожиби таоло шукрига машғул бўлдим.

Эртаси куни у ердан кўзғалиб, уч манзилдан сўнг Талош/Талас мавзесига кириб бордик. Ўша ерда икки кун давомида йўл чарчоқларини чиқариб, тўртинчи куни Бадбахт номли бир биёбон сари юзландик. Ҳақиқатдан ҳам исми жисмига монанд бадбахт бир ер бўлиб, биёбонда муғилон¹⁶¹⁰ тиканларига тўла эди. Ҳайвонларимиз оёғига кирган заҳоти, ул бечоралар юришдан тўхтаб қоларди. Уч кеча-ю, кундуз шу сувсиз бепоён биёбонда ҳар ким ўз туясига мешхалтада юклаб олган сувини ичганча йўл юрдик. Бу одам юрса оёғи куювчи чўлда сувнинг қадри юз коса оби ҳаёт ўрнига ўтарди. Бу биёбонда қулон-булон, яъни, дашт гўрхари ва оху ниҳоятда кўп эдики, карвондагилар улар галаси орасидан ўтиб кетиш учун йўл топа олишмасди. Роса гўрхар овланди. Ҳаво эса шундай иссиқ эдики, дашт ҳайвонлари сувсизликдан гала-гала ҳолда турган ерларида беҳол йиқилишар, кўплари ўлиб кетишарди. **Мисраъ**: Дар танури офтобаш мешавад мурғон кабоб – Қуёш тандирида қушлар бўларди кабоб. Ва бу ҳайвонлар мурдасидан чиқаётган қўланса ҳид жаҳонни тутган бўлиб, барча

¹⁶⁰⁹ Чу – Чу водийси, ҳавзасининг асосий қисми ҳозир Қирғизистон таркибида, қуйи қисми Қазоғистонда. Қадимда маркази Балосоғун (ҳозирги Бўрона хароба шаҳри) бўлган.

¹⁶¹⁰ Муғилон тиконли бир дарахт бўлиб Арабистон чулларида ўсган.

кийинчиликдан ҳам ана шуниси кўпроқ машаққат туғдирмоқда эди. Бадбуйлиги кўзни ачитиб, қонли ёш оқизар, юрак куйикидан фалакни тешар фиғон кўтариларди. Ул қонхўр саҳрода ва бало кўптирувчи биёбонда дардли оҳ ва бечоралик ила кетарканмиз, ниҳоят, осмон маликаси мағриб хижоби орқасига бекинди ва тун зулмат пардасини юзига тортиб, маҳбублар сочидан ҳам қорарок тусга киргач эса ўзимизнинг соямиздан ҳам кўрқа бошладик. Ҳар бир ўт-ўлан барги кўзимизга худди одам ютгувчи аждаҳо бўлиб кўринарди. Нимасини айтай, фароғат ўриндиғи-ю, иқбол ёстиғини тарк этиб, ота-она бағридан йироқ тушиб, мураббийлар меҳридан айро қолиб, уйқу ва емак-ичмакдан қисилиб, бирор ҳамдаму сирдошсиз, чора қилувчи далилсиз қоронғу ва кўрқинчли тунда, бало кўпар ва ҳалокатга йўлиқтирар биёбонда саросим-ю, саргардон йиқилиб-йимрилиб кетмоқда эдик. Шунча меҳнату-заҳматда гоҳ дўстларни эслаб, гоҳ олддаги ёлғизлик ва айрилиқ онларни ўйлаб кўзимиздан этак-этак ёш оқизардик. Етти кечаву кундуз шу каби машаққатлар билан маҳвашлар зулфи каби қоп-қора кўринувчи узоқ масофа ва поёнсиз йўлларни босиб ўтгач, тонгнинг иккинчи палласи ситам берувчи қуёш жабридан зўрға нафас олиб турган маҳалда ниҳоятда ям-яшил ва дарахтлари Сурайё юлдузи сари бўй чўзган, латофатли булоқлари ҳар бурчакдан отилганча чиқиб турган, мажнунтол шохалари ҳар томонга осилиб ётган бир ўтлоқзорга етиб келдик. Мазкур манзилга етгач, ҳақ таоло шукрини бажо айлаб, уч кеча-кундуз шу жаннатга менгзар манзилда йўл ҳордиғини чиқардик. Шундан сўнг у ерни тарк этганча Ўрусия вилояти сари юзланиб, яна йўл юришга тушдик. Уч кундан сўнг неча бир заҳмат ва алам билан Шамай вилоятига кириб бордик. Бир неча кун ул шаҳарда туриб қолдик.

Муҳаммалалихон мода жаноб қиблагоҳим ва мени юртдан чиқариб юборгач, бир неча кун ўтиб, отамнинг қадимий хизматкори Ҳаққулини *додхоҳлик* амали билан сийлади, аниқроғи, мамлакатнинг барча ишларини унга топширди. Амир Умархон даврида *амири лашкар* бўлган ва отам билан мени сургун қилиб, ватандан чиқариб юбориш каби ушбу ишларнинг ташаббускори бўлмиш Юсуф *парвоначини* ушлатиб, уйини талатди ва сўнг ўзини фақирнинг кетича Урусия вилоятига сургун қилиб жўнатди. Бир неча кундан кейин Эрназар *девонбеги* ва Хушвақт *қўшбегини* шахидлик даражасига етказди. Булардан кўнгли тинчигач эса оқ қуши солиб, қаптар учириш ўйинлари билан машғул бўлди. Ўша айёмда Тошканд вилоятида ҳукумат тепасида ўтирган укаси Абдуллоҳхонни олдига чақириб олиб, ўн гулидан бир гули очилмаган ул амирзодани ўз қўли билан шахид қилди. Ҳа, ҳар мавжудотнинг фаноси бўлиши лозим ишлардан бўлиб, ҳар бир бўлиши мумкин иш амалга ошмайдиган нарсалар жумласига кираркан. Ўшанда Муҳаммадалихон моданинг ҳукуматига икки йил тўлиб, ёши ўн тўрт-ўн беш орасида эди.

Биродарим саййидлик паноҳи Жаҳонгирхожанинг Кошғар вилоятига қочиш воқеаси зикри

Амир Умархон саййидлик паноҳи Жаҳонгирхожани арқда ўтқазиб қўйиб, ҳол-аҳволидан огоҳ бўлиб турган вақтларда Муҳаммадалихон мода отаси ўлиб, тахтга чиққач Жаҳонгирхожанинг ҳол-аҳволидан хабар олмай қўйди. Шу жиҳатдан саййидлик паноҳи тирикчилик борасида жуда танг аҳволда қолиб, укаси Маҳмудхон, Тўраҳон ва бошқа бир нечта билан тил бириктирганча қочиш йўлини тутиб, Кошғар вилоятига юзландилар. Бунинг хабари Муҳаммадалихон мода қулоғига етишгач, дарҳол орқаларидан одам юборди. Мазкур иш топширилган аскарлар жуда тез ҳаракат билан қочоқлар кетидан етиб, саййидлик паноҳларини қўлга туширдилар ва неча бир хорлик ва аянчли аҳволда Хўқанд шаҳрига олиб келдилар. Муҳаммадалихон мода саййидларни ҳибсга олди. Уч кундан сўнг Тўраҳонни қамоқдан чиқариб, ўз холига қўйди. Жаҳонгирхожа тутқинликда қолди. Ўша кезларда, яъни 1238/1822-23 йилда Хўқанд вилоятида мамлакат бузукчилиги касофатидан ҳеч бир замонда бўлмаган ва ҳеч бир асрда қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган кучли зилзила рўй берди. Кўп одамлар уй тагида қолиб, ҳалок бўлишди. Аҳолининг кўпчилиги уй-жойсиз қолдилар. Халқ ноилож қамишдан уйлар қуриб ўтиришди. Чунки, Хўқанднинг тоғлик ерларида бир нечта уйлик одамлар ўтирган уйлари билан бирга ер қаърига кетишди. Улар қулаган ер шундай ёрилган эдики, ер тагида қоп-қора буғдан бошқа нарса кўринмасди. Ёриқлардан сув худди фаввора каби отилиб чиқарди. Ер олти ой давомида кун ора кўп маротаба қаттиқ-қаттиқ силкиниб турди. Алқисса, бир неча кун шу зайл ўтгач, яна Жаҳонгирхожа кўнглига Кошғар ҳаваси тушиб, неча бир хийла ва найранг билан ҳибсдан қутулиб чиқиб, учқур тулпор отларга минганча қочиб қолди. Жуда тез суръатларда уч кеча ва кундуз от чоптириб, Хўқанд давлатига қарашли худуддан чиқиб олди ва Олой мавзесига етишди. У ерни ҳам тез тарк этганча, Тошқўрғон қалъасига кириб бориб, ҳукуматни қўлга олди. Бу хабар ул худуднинг ён-атрофига ёйилиб, қирғизнинг жуда кўп одами саййидлик паноҳи олдига келишди.

Ўша кезларда Муҳаммадалихон модадан кўнгиллари қолган Андижон ҳокими Исо *додхоҳ* ва Хўқанд улуғларининг ўғли Худоёр мирзо иккови ҳам бориб, Жаҳонгирхожага кўшилдилар. Жаҳонгирхожа ул худудда бир йил истиқомат қилгач, катта кўшин тўплаб, Кошғар томонга юзланди. Тор ва сўқмоқ йўллардан минг бир машаққат ва қийинчилик билан йўл юришга тўғри келиб, қирғизлардан кўпи бунга дош бера олмай ватанига қайтиб кетдилар. Ниҳоят, саййидлик паноҳи бир нечта надимлари билан неча бир қийинчиликдан сўнг етти султон жумласидан бўлмиш қутбил авлиё, ғавсил атқийё Султон Содик Бурохон (Бурхонхон)нинг файз осорли мазорига етиб борди ва хожанинг бузруквор бобоси эшон Офокхожа ҳам ўша ерда дафн қилинган бўлиб, саййидлик паноҳи ул ҳар икки азизнинг пок руҳидан мадад тилаганча юрт олувчиликнинг зарур юмушлари сари киришди. Ўша куниси куёш ботгач хожанинг яна қайтиб келгани хабари хитойликлар қулоғига етишди ва тўрт минг хитой кишиси Гулбоғ қалъасидан чиқиб, мазор сари юзландилар. Улар мазор ёнига етишгач, қамал ва уруш ишига киришдилар. Жаҳонгирхожа ҳам одамлари билан душман сари ўқ ва тўфанг отмоққа машғул бўлди. Бироқ, кўп ўтмай хожа кўшинининг талайгина жангчилари қочиш сари юз тутишди. Хожа ёнидаги бор-йўғи ўн етти кишиси билан душманга қарши жанг қиларди. Шунда у Ҳасанхожа исмли надимини Қизилсув томонга жўнатди. Қизилсув мавзесида яшовчи ислом аҳли сони жуда кўп бўлиб, надим уларга саййидлик паноҳининг кофирлар билан урушиш учун келганини айтди. Айти пайтда эса бу томонда кофир лашкари ғалаба қилиб, кейинги бир ҳамла билан мазорга киришди. Саййидлик паноҳи ёнида қолган яна бир надими ва Исо *додхоҳ* билан бирга қочиш сари юзланди. Қолганлар шаҳид бўлишди. Хитой кўшинидагилар эса шу тун қоронғусида саййидлик паноҳини излашга тушдилар. Саййидлик паноҳи озгина йўл юргач, инсон зотининг бу ҳалокат майдонидан қутулиб чиқа олмаслигига кўзи етиб, ноилож, ўлимига рози бўлди ва бузилган бир гўр ичига кириб, ҳар иккови ўлимини кутиб ўтиришди. Гўрга сиғмаган надим эса ташқарида қолиб, саргардон ҳолатда шу ваҳимага кон гўристонда у ён, буён тентираганча кезиб юрди. Шу вақтда ҳазрати яратгувчи парвардигор ўз етук қудрати билан ҳаётдан аллақачон қўл ювиб, гўр ичига ҳам кириб олган Жаҳонгирхожани таҳқирлик тупроғидан кўтариб, бир неча муддат толеъсини Сурайё юлдузигача етказмоқчи бўлган эканки, қисқа қилиб айтмоқчи бўлганим, куйидаги воқеалар содир бўлди. Саййидлик паноҳи қочиш сари юзланиб, хитой кўшини эса мазор бошини эгаллаган воқеадан икки кун илгари хожа Чўмбоғиш жамоасига ўзи келгани хабарини маълум қилиб, хабар юборган ва Жаҳонгирхожа номини эшитган заҳоти довюррак ғозийлардан олти минг нафар урушқоқ ханжар санчар жангчи отланиб, ўша тонгда мазкур мавзегача етиб келгандилар. Қарашса, хитойликлар хожа тушган мазор бошини эгаллаб олган, саййидлик паноҳидан эса бирор аломат йўқ эмиш. Ноилож, шамшир томон қўл чўзиб, куфр аҳли ва мусулмонлар бир-бирига ёпиша кетишибди. Икки ўртада чунонам уруш ва жанг бўлибдики, мусулмонлар қонидан ариқлар пайдо бўлиб, жаннат томон ва нопок кофирлар қонидан ҳосил бўлган ариқлар дўзах сари оқибди. Ниҳоят, анча жанглардан сўнг зафар насими ислом аҳли томон эсиб, мушриклар қочиш томон юз кўйишибди. Шунда тўрт минг хитойликдан биттаси ҳам қутула олмай, бариси жаҳаннамга равона бўлишибди. Ислом лашкари ўз кўнгилларини кофирлар ишидан тинчитгач, саййидлик паноҳини ахтариш учун ҳозирланган чоғда тўсатдан Ҳасанхожа ўн икки минг қуролланган ғозийлар билан Қизилсув томондан келиб қолибди. Улар ҳам етиб келиб, қарашса, саййидлик паноҳидан бирор аломат кўзга кўринмайди. Барчаси ўй денгизига ғарқ бўлиб, бошлари гаранг, ҳар томонга зир югуришибди. Шарқ куёши бу етти қат зангори осмон устидан фармон берувчи бўлиб, оламни ўз нурига чўлғаган маҳал, иттифоқан, ул мавзеда ҳайрон ва саргардон айланиб юрган ҳалиги бечора надимга кўзи тушган ғозийлар уни ушлаб, саййидлик паноҳи ҳақида суриштирибдилар. Надим бечора эса уларни танимай, ҳатто, хитой аскарлари бўлса керак деган гумонда, саййидлик паноҳи борасида лом-мим демабди. Бироздан сўнг яхшилаб қараса, бу қаршисида турганларнинг бариси саййидлик паноҳининг ғуломлари ва хизматорлари экан. Қувонганидан дарҳол хожа борасида сўзлаб берибди. Улар хожанинг тирик ва соғ-саломат эканини эшитган заҳоти шукрлар айтиб, тезликда хожа ўтирган гўр томон йўлга тушибдилар. Ҳалиги надим барчадан чакқон чиқиб, хожа ўтирган жойга етиб борибди ва яхшилик аломатли бу хабарни саййидлик паноҳига етказибди. Бу хушxabарни эшитган хожа шодликдан терисига сиғмай, анча вақт Аллоҳи таолога чексиз шукрлар айтиш билан банд бўлибди. Ислом лашкарининг бариси ёқаларини йиртганча йиғлаб, қабристоннинг саййидлик паноҳи бекинган жойига етишиб, ҳаммаси бирданига саййидлик паноҳи оёғига йиқилибдилар. Гўё ўша куниси қиёмат қойим бўлгани каби ғозийлар ноласи еру кўкни ларзага солганди. Шундан сўнг саййидлик паноҳини неча бир иззат-ҳурмат билан тулпор отга мингазиб, тўла хашамат ва дабдаба билан манзилу мақсад сари йўналдилар. Бу хабарни Кошғар вилояти аҳолиси эшитгач, халқнинг катта-кичик бариси саййидлик паноҳи томон юзландилар. Саййидлик паноҳи шаҳар яқинига етишгач, барча уламо ва умаро, фуқаро хожани кутиб олиб, унинг қўлини ўпишга мушарраф бўлишди. Ўшанда хитойликлар

Ўзлари томондан Кошғарга ноиб сифатида давлатхоҳ қилиб шаҳарда ўтқазиб қўйган ҳоким иш қўлдан чиққанини кўриб, ноилож, саййидлик паноҳи ҳузурига чопди. У бориб, бу айбнинг қандай содир бўлгани ҳақида ўзи гапириб бермоқчи эди. Аммо, ислом аҳли бостириб бориб, саййидлик паноҳининг амри билан ҳокимни ўша ердаёқ қатлга еткардилар. Саййидлик паноҳи неча бир шону шавкат билан Кошғар шаҳрига кириб бориб, салтанат тахтига ёнбошлади.

Биродарим саййидлик паноҳи Жаҳонгирхожанинг Кошғар вилоятида ҳукумат юргизгани зикри

Алқисса, биродарим Кошғарнинг барча етти мамлакатада фармон берувчи бўлгач, бу хайр асарли хабар ер юзининг бутун обод қисмига ёйилди. Буни Муҳаммадалихон ҳам эшитиб, бахиллик туйғуси жўш урди ва кетма-кет саййидлик паноҳи ҳузурига яқинлашиш мақсадида элчилар юборди. Саййидлик паноҳи ҳам сўзамол элчилар орқали «биз Гулбоғ ғозийлигини Сиз учун қолдирдик, агар келсангиз, биргалашиб, ул қалъани худои таоладан тилаб оламиз» деб юборди. Элчилар Муҳаммадалихон олдига келиб, ўз хатларини топширдилар ва бўлиб ўтган воқеани баён этдилар. Муҳаммадалихон ғазот сўзини эшитгач, толдек титрай бошлади. Унинг табиатини яхши билган надимлар «эшитишимизча Гулбоғ қалъасида олтин ёмбуларга тўла бир нечта хазина бор эмиш, агар Сиз борсангиз, қалъа сал ҳаракат билан фатҳ бўлғусидир. Шунда хазинанинг бариси Сизнинг қўлингизга тушади» дейишди. Муҳаммадалихон ёмбу сўзини эшитгач, номуборак маймун каби ишшайиб кулди. Вақтни ўтказмай, Фарғона лашкарини олиб, ўша тараф сари йўлга тушди. Ўшанда Муҳаммадраҳим *девонбегининг* укаси Абдурахмонбек Ўратепадан уч юз кишиси, Шаҳрисабздан эса Муҳаммадсодиқ *девонбегининг* ўғли Улуғбек ҳам икки юз киши билан етиб келиб, унга қўшилдилар. Алқисса, Муҳаммадалихон мода бир неча манзилни босиб ўтгач, ул вилоятга кириб борди, аммо, саййидлик паноҳи томондан унинг истиқболига бирон киши ҳам чиқмади. Шу жиҳатдан Муҳаммадалихон юрагига кўрқув тушди ва надимларидан бир нечасини саййидлик паноҳи олдига жўнатди. Саййидлик паноҳи қадамини истиғно ва эҳтиёжсизлик водийсига қўйиб, Муҳаммадалихон табъига мувофиқ жавоб айтмади. Ниҳоят, Муҳаммадалихон иш битмаслигини англади ва ноилож саййидлик паноҳи Султонхонхожаи *хожа калонни* Ҳаққули *додхоҳ*, Баҳодирхожа *дастурхончи* билан бирга Жаҳонгирхожа олдига юборди. Султонхоннинг келганини эшитган Жаҳонгирхожа бир неча қадам олдинга юриб, уни кутиб олди ва ўз уйига тушириб, катта ҳурмат кўрсатди. **Мисраъ:** Қадри зарро заргар мешиносад, қадри жавҳар жавҳари (Зар қадрини заргар билар, жавҳар қадрини жавҳарчи билар]. Шундан сўнг жаноб Султонхон Жаҳонгирхожани Муҳаммадалихон ҳузурига таклиф қилди. Жаҳонгирхожа «майли, бир марта Сиз жанобларининг ҳурмати учун у билан от устида туриб кўришаман. Иккинчи марта эса афти-башарасини кўришга тоқатим йўқ. Агар шу шартимни қабул қилсангиз яхши, бўлмаса тағин ўзингиз биласиз» дея жавоб берди. Жаноб Султонхон ҳам хожанинг сўзини қабул қилди. Фақир Султонхоннинг ўз оғзидан қуйидагиларни бир неча бор эшитган эдим: «Ўша вақтда Жаҳонгирхожа даргоҳининг Мовароуннаҳрнинг барча ҳокимларини бир ерга тўплаганда ҳам унинг бор-йўғи битта хизматчиси ўрнига ўта олмайдиган даражадаги ҳашамат ва шавкатли эканини кўрганман. Хазинасида ҳеч бир подшоҳнинг хазинасида йўқ миқдордаги молу дунё йиғилган эди. Ўшанда уч нафар киши олдимга келиб «бизнинг ҳар биримиз Жаҳонгирхожам ҳузурига назр сифатида элликтадан ёмбу келтирганмиз. Аммо, бир ҳафтадан бери бизларга навбат етмай турибди ҳузурига кирай десак, ҳайронмиз. Нима бўларкан, раҳм этиб биронта хизматкорини назримизни қабул қилиш учун олдимизга юбориб, уларни хожам назаридан ўтказа олсак ва мақбул қилиб, дуога машғул бўлсак?» дейишганди. Жаноб Султонхон давом эттириб айтадиларки, улардан бу сўзларни эшитгач, ҳайрат бармоғини тишладим ва дарҳол одам қўшиб, улар айтгандай қилиб хожам ҳузурига кириш учун рухсат олиб бердим. Ўша айёмда Хўтан савдогарларидан бири Жаҳонгирхожа ҳузурига келиб, ўзининг бир сандиқ жавҳарини назр қилди ва саййидлик паноҳи ул вилоятнинг барча савдогарларини жамлаб, унинг баҳосини сўради. Ҳеч бири баҳо беришнинг уддасидан чиқа олмади. Анча гаплашув ва мунозаралардан сўнг бир қарорга келгач, ўн икки яшар бир болани тик қўйиб, унинг бўйи баравар қилиб, тиллоларни тўкайлик, боланинг боши кўринмай қолса, ана ўша назрнинг баҳоси бўлади, дейишибди. Тағин бир киши хикоя қилган эди: Ёрканддан бир савдогар қиз келди. Ўзининг мукамал кийинган ва қуролланган олти юз нафар зархарид қулини саййидлик паноҳи ҳузурига назр қилди». Мана энди саййидлик паноҳининг давлатини ана шулардан қиёс қилаверинг. Бошқасини айтиб ўтиришга ҳожат йўқ.

Биродарим Жаҳонгирхожанинг Муҳаммадалихон мода билан юз кўришгани зикри

Алқисса, эртаси куни саййидлик паноҳи ўз амирлари ва лашкарини тилло-ю, темир совутлар билан чунонам оро берганча кўшинда йиғилган ана шу уч лак аскар билан неча бир шон ва шавкат ичра отланиб, Фарғона лашкаргоҳи томон юзланди. Ҳеч бир подшоҳ даврида бунчалик кўп кўшин йиғилганини кўз кўриб, кулоқ эшитмаганди. Яқинлашгач, Муҳаммадалихон мода ва унинг кўшиндагиларнинг кўзи бу каби дабдаба ва савлатга тушиб, ҳайрат бармоғини тишлаганча таажжуб денгизига ғарқ бўлишди. Муҳаммадалихон мода юрагини ваҳима чулғаб, ифлос дили кўнғироқ каби дир-дир титрай бошлади. Ноилож бўйинини эгганча, эзилиб-сиқилиб, саййидлик паноҳи томон юзланди. Ҳар икки лашкар бир-бирига яқин келиб, саф тортдилар ва саййидлик паноҳи Султонхон билан, Муҳаммадалихон Ҳаққули билан олдинга чиқиб, бир-бирларини бағрига босдилар. Саййидлик паноҳи Муҳаммадалихонга юзланиб, хуш келибсиз, Гулбоғ қалъасини фатҳ этиш ишлари Сизга қараб турибди, деди. Саййидлик паноҳи бор-йўғи шу сўзларни айтди-ю, ўз давлатининг пойтахти томон қайтиб кетди. Муҳаммадалихон мода эса Гулбоғ қалъаси сари юзланиб, қалъа қамалига киришди. Беш кун давомида Фарғона лашкари барча саъй-ҳаракати билан уруш қилди, аммо, ғалаба насими сира ҳам эсавермади, ислом аҳлининг жуда кўпи шу қамал жангида шаҳидлик даражасига етдилар. Бир кечаси эса Фарғона кўшини ўзларининг одамларини душман, деб ўйлаб, қочишга тутиндилар. **Мисраъ:** Биштоб ки вақти кор дар мегузарад (Шошил, иш вақти ўтиб борадур); Муҳаммадалихон бу ҳолни кўриб, ҳайрон ва саросимада ҳар томонга кўз югуртирар ва бу ҳалокатдан қай йўл билан кутулиш чорасини изларди. Ахир, шўринг қурғур ишига ярайдиган бирон тадбирни ҳам билмас эдида! Шу сабабли ўлик сигир каби миқ этмай ўтираверди. Натижада, амирлар қарашса, иш қўлдан чиқмоқда. Ноилож Муҳаммадалихон модани отга мингазиб, тез суръатлар билан Хўқанд сари йўл солдилар. Шунда хўқандлик кўпгина амирлар ва улуғзодалар ундан ажралиб, саййидлик паноҳига кўшилдилар. Жаҳонгирхожа уларнинг ҳар бирига ўз даражаларига қараб, меҳрибонлик кўрсатди.

Муҳаммадалихон анча меҳнат ва машаққатлар билан бир неча масофа йўлни босиб ўтгач, Хўқанд шаҳрига кириб борди ва яна, аввалгидек, бўза ичмоқ ва каптар учирмоқ ишлари билан машғул бўлди. Жаҳонгирхожа Хўқанд лашкари қайтиб кетгач, катта кўшин билан Гулбоғ қалъасини узук қошидек ўртага олиб, қамал ва уруш ишига киришди. Қамал муддати чўзилиб кетди. Жаҳонгирхожа қайтиб, ўз давлатхонасига келиб тушди. Ўша вақтда Гулбоғда хитой кўшинидан ўн икки минг киши турган эди. Қамал жиҳатидан, барибир, емаклари тугаб, қийин аҳволда қолишди. Бир кечаси ҳаммаси тил бириктириб, Гулбоғ қалъасини ташлаб чиқишди ва оёқларини кўлига олганча пойи-пиёда ура қочишди. Бу хабар саййидлик паноҳи кулоғига етишгач, дарҳол отланиб, кофирлар қочган томонга юзланди. Довюррак ғозийлар тезлик билан уларга яқинлашиб, икки орада уруш ва жанглар бошланди. Бирор фурсатдан сўнг уларга ислом аҳлидан катта кўшин ёрдамга келиб, куфр аҳлига қира кетдилар. Кофирлар ҳам бу ҳолни кўриб, жаҳолат юзасидан, яъни мусулмонлар кўлига тириклайин тушмаслик қасдида бир-бирини қириб битказдилар. Бирпасда ўн икки минг кишидан биттаси ҳам тирик қолмади. Саййидлик паноҳи фатҳ ва нусрат билан ўз қароргоҳига келиб тушди. Бу хабар Кошғардаги ислом аҳлининг барча етти вилоятига ҳам етиб бориб, қаерда куфр аҳлини кўришса, ўша жойдаёқ қатлга етказа бошладилар. **Байт:**

Аз ин навиди муборак ки ногаҳон омад,
 Башорате ба дилу муждае ба жон омад.
 [Бул муборак хушхабар тўсатдан келиб,
 Дилга башорат, жонга мужда келтирди].

Шу зайл, бу зўр хурсандчилик воқеаси туфайли ислом аҳли вилоятларининг бариси куфр аҳлининг қолган-қутган хас-хашагидан ҳам тозаланди. Жаҳонгирхожа Хўтан¹⁶¹¹ вилояти ҳукуматини саййидлик паноҳи Маҳмудхоннинг ўғли ва ўзининг жияни бўлмиш Тўрахожага берди. Ёрканд¹⁶¹² вилоятини ўз укаси Муҳаммадхожага инъом қилди. Оқсув¹⁶¹³ вилояти бошқарувини Хонхожа ўғли Умар Алихожага берди. Бошқалари ҳам шу алпозда тақсим қилинди. Жаҳонгирхожа Кошғарнинг барча етти вилоятига фармон берувчи бўлгач, кўнглини ўзича Хитой томонидан хотиржам қилди. Аммо, донишмандлар айтганидек, душман ожизлигига қараб, раҳм қила кўрма, агар кучи етса сени аяб ўтирмайди, деган ҳикматни эсидан чиқарди.

¹⁶¹¹ Хўтан – Хитойнинг ғарбий қисмидаги шу ном билан аталган дарё, Тарим дарёсининг ўнг ирмоғида жойлашган шаҳар.

¹⁶¹² Ёрканд/Ёркент – қадимий номи Сақараўл, хитойча Шачэ — Хитойнинг Синьц-зян-Уйғур мухтор республикасидаги шаҳар, Қашқар вилоятининг Ёркент тумани маркази (1980 й.гача Қашқар вилояти маркази). Такламакон чўлининг ғарбий қисмида, Ёркентдарёнинг ўнг соҳилида, 1200 м баландликда жойлашган.

¹⁶¹³ Оқсув – Шарқий Туркистонда олти катта шаҳарлардан бири. Оқсув (Шарқий Помир тоғларидан оқадиган) дарё соҳилида жойлашган вилоят. Ҳозир Хитойнинг Уйғур-Синзян автоном республикаси таркибида.

Жаҳонгирхожанинг Кошғар вилояти тахтидан тушгани ва хитой амирларининг хийла билан ул бахти қайтган саййидни қўлга тушириб, шаҳид этганлари зикри

Вақт ўтиб, биродарим Жаҳонгирхожа беҳафсала бўлиб қолди ва давлатни ғанимат билмади. Мамлакат ишларига қарамай қўйди. Доимо пасткаш одамлар билан ўтириб-туришди, табиати асл ҳолатидан чекиниб, ҳар бир ишда мувозанатини йўқотди. Ҳамиша ўтиришини кошғарлик пари чехралар ва қоракўз, анбар соч оғачалар билан безатди. Гулюзли соқийлар қадахидан аччиқ майлар ичди. Қўшин ишлари иккинчи ўринга ўтди. Халқ саййидлик паноҳининг бу ишларига боқиб, хайрону лол бўлиб қолдилар. Бир неча яқин давлатхоҳ кишилар эса бу ҳақда қайта-қайта эслатиб «анчадан бери қўлингизда давлат йўқ эди, шу сабаб азоблар чекдингиз, мана энди ишларни ўнгловчи, бандаларини сийловчи ҳазрати таоло Сизга ҳеч бир подшоҳда йўқ чексиз давлат ато этганда бундай давлат қадрини билмоғингиз лозим, токим, охирида пушаймонлиғ бўлмасин» дедилар. **Байт:**

Дарёб кунун ки давлатат ҳаст ба даст,
Ки ин давлати ту меравад аз даст ба даст.
[Қўлингизда давлат борида уни маҳкам ушла,
Ки бу давлатинг бошқа қўлга ўтиши мумкин].

Ишқилиб, тарафдорлар хожанинг зотида бу каби хислатлар йўқлигидан ҳикмат ва панду насиҳат қабилидаги сўзларни неча бор арз қилмасинлар, фойдаси бўлмади. Биродарим ўзини ушлаш тизгинини қўйиб бериб, номуносиб ишларини давом эттираверди. Бу гап Хитой ва Хўтан вилоятларининг барисига ёйилди ва кофир аҳлининг *сардор*лари ҳам бу ҳолдан воқиф бўлдилар. Қарашса, ҳукумат либоси ул саййидлик паноҳи қоматига мос тушмас экан. Катта қўшин билан яширинча йўллар орқали манзилу мақсад сари юзландилар. Тезликда қанча масофаларни босиб ўтиб, уч кунлик йўл билан Кошғар вилоятига етишдилар. Бу хабарни эшитган Жаҳонгирхожа ғам гирдобада суза бошлади ва дарҳол биродарим жаноб Тўраҳонни, Бекмуродбийнинг ўғли Худоёрбекни амири лашкар қилиб, катта қўшин билан кофирларга қарши жангга отланганди. **Байт:**

Тадбири худ имрўз кун эй хожа ки фардо,
Ҳар чанд ки фарёд куни суд надорад.
[Не тадбиринг бўлса бугун бажар, эртага
Қанча фарёд қилсанг ҳам фойдаси бўлмас].

Улар саййидлик паноҳидан кетишга руҳсат олгач, тезлида бир манзил йўл олға босишди. У томондан ҳам куфр лашкари етиб келиб, ўша мавзеда икки қўшин тўқнаш келиб, бир-бирига ёпиша кетдилар. Шундай уруш бўлдики, жанг майдони тупроғи куфр ва ислом аҳли қонидан гулнор рангига кирди. Анча уруш ва жанглардан сўнг зафар насими куфр аҳли томонидан эсиб, ислом лашкари жанг майдонидан юз ўгирганча уруш қила-қила чекина бошлашди. Куфр лашкари қамишзорга кетган бир ўт-олов каби бўлиб, йўлда дуч келган хўлу қуруқни баравар ёндирмоқда эди. Борган сари илгари қадам ташлаганча шу йўсинда уруш қилиб, Кошғар вилоятига кириб келди ва кўплаб мусулмонларни шаҳид этди, ислом аҳлидан анчалари эса қочиб кетдилар. Хитойлар саййидлик паноҳ Маҳмудхоннинг укаси Тўраҳон, Маҳмудхоннинг ўғли Тўрахожа, жаноб Султонхонинг ўғли Мусохон эшонларни қўлга тушириб, Чин томонга юборишди. Кошғар ҳукумати яна кофир хитойлар қўлига ўтди. Ўша кечаси айни ушла, тут пайти Жаҳонгирхожа бир неча кишилари билан бирга молу мамлакатдан кўнгил узганча 1241 йилнинг ражаб ойи бошида (1826 ражаб ойи 9 февралда кирган) қочиш йўлини ихтиёр этди ва неча бир меҳнату машаққатда ўзини Олой яйловига элтди.

Ўша чоғда Чин ҳоконидан хитой *сардор*ларига қандай бўлмасин, кучлари борича саъй-ҳаракат қилиб, Жаҳонгирхожани албатта ушлашлари ҳақида хат келди. *Сардор*лар мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, саййидлик паноҳини қўлга тушириш пайдан бўлдилар. Мусулмонлардан ҳам бир нечтаси дунё учун ўз динини бир дона арпага алиштириб, хитойликлар билан шерик бўлганча саййидлик паноҳига хат ёзиб, агар саййидлик паноҳи яна бу худудга қадам ранжида қилсалар, Кошғар ҳукуматини тағин жаноб саййидлик паноҳига топширамиз, деган қалбаки сўзларни билдирдилар. Бу хабар Жаҳонгирхожа қулоғига етишгач, қон қистаган биродаримиз дарҳол бир нечта киши билан манзилу мақсад сари йўналди. Кошғар вилояти яқинига етишгач, тоғда пистирма қўйиб ўтирган хитой аскарлари саййидлик паноҳининг олдидан чиқишди. Жаҳонгирхожа бу воқеани кўриб, фалакнинг нима ўйинлар қўзғатганини англади ва чор-ночор қочиш сари тутинди. Тоғ жуда баланд бўлиб, ўша ерга чиқди, хитой қўшини эса тоғни марказ ўртасидаги нуқта каби қуршаб олишди. Сўнг юқори томон кўтарила бошлашди. Саййидлик паноҳи қараса, иш қўлдан чиққан. Бўйинини қуйи солиб, тоғдан пастга тушди. Куфр аскарлари эса саййидлик паноҳини ушлаб, Кошғар вилоятига олиб бордилар. Аҳли ислом бу ҳолни кўриб, барчаси йиғлашга тушдилар. Саййидлик паноҳини аравага

ўтқазиб, хоқон ҳузурига Хонбалиғ шахрига юбордилар. Ҳукумати муддати тўққиз ой бўлди. Ўшанда умри деярлик қирқ ёшга етган эди. Муҳаммадалихондан юз ўгириб, саййидлик паноҳи Жаҳонгирхожага қўшилган хўқандлик амирларнинг кўпи мазкур воқеада қочишга улгуриб, Хўқандга қайтиб келдилар. Бу хабарни эшитган Муҳаммадалихон уларни ўз ҳузурига чорлаб, саййидлик паноҳларидан кўпининг соқол-мўйловларини қирдирди ва айримларини қаматтириб, уларга нон ўрнига кунжара беришларини тайинлади. Иккита улуғ хонадон бошига солган ишларни эса ушбу китоб саҳифаларида битмоқ барчага малол келтиради.

Муҳаммадалихоннинг амир Ҳайдар подшоҳ билан ярашгани зикри

Ўша кезларда амир Ҳайдар билан Муҳаммадалихон ўртасида ярашиш ишлари амалга ошди. Аввалига доно элчилар борди-келди қилиб туришди. Сўнг амир Ҳайдар Исматуллоҳбийни яхши хадялар билан бирга Муҳаммадалихонга бир қимматбаҳо мурассаъ камар ҳам совға қилиб юборди. У эса жаноб Султонхон ёнига Азимбой *додхоҳ*ни кўшиб, амир Ҳайдар олдига элчи қилиб юборди. Айти ўша чоғда амир Ҳайдар хитой-қипчоқ устига юриб, уларни қамалда тутиб турган пайт эди. Элчилар бориб, амир Ҳайдар ва хитой-қипчоқ халқи ўртасига тушиб, икки орадаги сулҳдан сўз очдилар. Амир Ҳайдар саййидлик паноҳининг гапларини қабул қулоғи билан тинглади ва хитой-қипчоқ халқининг гуноҳидан кечди. Ўртада сулҳ тузилиб, амир Ҳайдар оти жilовини Бухоро томон қайтиш учун бурди. Жаноб Султонхон Қоратегин йўли орқали Хўқандга ташриф буюрди.

Муҳаммадраҳим *девонбеги* билан Муҳаммадалихон ўртасида яхши алоқа ва борди-келди ўрнатилган бўлиб, амир мол-дунё жиҳатдан ҳам *девонбеги* кўни-кўнжини тўлдириб турарди. Бу гал ҳам безатилган жабдуқли от ва марварид қадаб тикилган либослар ҳамда амир Ҳайдар юборган халиги мурассаъ камарни ҳам Саййидкул *девонбеги* орқали Муҳаммадраҳим *девонбегига* бериб юборди. Ўша кезларда Ҳаққули ўз ўғлини куёв йўсинида катта дабдаба билан Ўратепа вилоятига жўнатганди. Бу шаҳарга етгач, амирлик паноҳи Муҳаммадраҳим *девонбеги* уларни бундай асъаса ва шавкат билан кўриб, совға-саломга ўрганган кўнгли жунбушга келди ва ғазаб устида ҳаммасини кишанлаб, молларини тортиб олди. Бу хабарни Муҳаммадалихон эшитиб, Фарғона лашкари билан шу томонга юзланди. Уч манзилдан сўнг Хўжанд вилоятига етди. У ердан ҳам отланиб, бир манзилдан сўнг Ўратепа вилоятига кириб борди ва қамал ҳамда уруш ва жанг ишига киришди. Шунингдек, Муҳаммадраҳим *девонбеги* ҳам қалъа сақловчилик шартларини адо этиб, ўқ ва тўфанг отмоққа машғул бўлди. Қамал муддати чўзилиб кетди. Муҳаммадалихон қараса, иш илгари силжимаяпти. Ўзининг бемаврид кўшин тортиб келганидан минг бора пушаймон еди. У ердан кўчиб. Ўратепадан икки фарсах нарида жойлашган Сарой мавзесига бориб тушди. Амирлар илтимос қилишди. Уч кун ўша ерда сокин турди ва ул мавзени қалъа қилиб, Довул *парвоначи* ўғли Гадой бойни минг нафар жасур кишиси билан шу ерда кўйди ва ўзи Хўқанд сари юзланди. Беш манзилдан кейин шаҳарга етишди ва дойра чалиш билан машғул бўлди. **Байт:**

Одамият на ба мантиқ, на ба риш, на ба жон,
Тўти ҳам нутқу буз ҳам ришу хар ҳам жон дорад.
[Одабийлик тилу, соқолу жон билан эмаску ахир,
Йўкса тўти гапиради, эчкида ҳам соқолу эшакда жон бор].

Алқисса, ўша вақтда бухоролик амир Умархон укаси амир Насруллоҳ¹⁶¹⁴ олдидан қочиб, тоғ йўли орқали Марғионга келибди деган хабар келди. Кутиб олиш учун олдига одам жўнатди ва амир Умархон яқин келганда жаноб саййидлик паноҳи эшон Тўрахожа ва Султонхон ҳар иккала азизлар Муҳаммадалихон олдига бориб «ҳар ҳолда Бухоронинг подшоҳи ахир, истиқболи учун укангиз Султон Маҳмудхонни юборишингиз керак эди» дея ёлворишди. Муҳаммадалихон эшонларнинг сўзини ижирғанибгина қабул қилиб, укасининг кутиб олишига рухсат берди. Кўзлар нури нопок акадан топшириқ олгач, кўп дабдаба билан амир Умархонни кутиб олиб, тўла обрў-эътибор оғушида Муҳаммадалихон ҳузурига олиб борди. У эса бўзадан ғирт маст бўлиб ўтирарди. Ҳеч бир такаллуфсиз кучоқлашиб кўришди. Яхши бир жой тайинлади. Бир неча кундан кейин бухоролик амир Умархон марҳум амир Умархоннинг амакиваччаси бўлмиш биродарим Исҳоқ *девонбегининг* кизини ўз никоҳига киритди. Шу зайл бир неча муддат замонанинг кулфатларидан тинчиди. Аммо, бир неча вақт умри шу тариқа кечгач, ажал ул дунё кўрмаган ноумид подшоҳнинг ёқасидан олиб, неча бир дарду ҳасрат билан турли машаққатларга тўла жаҳондан этак йиғиштирди ва бечоранинг наъшини Бухорога жўнатдилар.

¹⁶¹⁴ Насруллоҳ – Бухоро амири (1826-1860).

Бу сўзларни ўз ўрнида ёзув ипига тизганимиз учун бу ерда келтирмасак ҳам бўларди, аммо, уларнинг Муҳаммадалихон замонида рўй бергани сабабли қасқача тарзда баён қилишга жазм этгандим. Иншоолоҳи таоло умидворманки, бу гўстохлигимиз учун афв ва узр бўлса.

Фақирнинг Маккаи муаззама ва Мадинаи мунаввара томонлар учун эҳром боғлагани ва ул бепоён йўлда дунёнинг баъзи бир ажойибу ғаройиботларини кўргани зикри

Ҳар бир сўз мағзини чакувчи сўзга чечанлар кўнглидан яширин қолмасинким, бу фақирингиз оёқ яланг, боши очик суратда етти йил давомида сайёҳлик оламида бир неча иқлимни кезиб чиқдим ва дунёнинг ажойиб-ғаройиботини кўп кўрдим. Шуларни бир-бир ёзув ипига тизмоқчи эдим. Қарасам сўз узоққа чўзиладиган. Бироқ, шу билан бирга бу китобнинг ўз саргузаштимдан холи қолишини ҳам истамадим. Ноилож, кўрганларимнинг мингдан бирини бўлса-да, жуда қисқа бир йўсинда баён қилишга журъат этдим. Юқорида зикр этганимдек, фақир Муҳаммадалихон кўлидан неча бир меҳнат ва азобда қутулгач, Шамай¹⁶¹⁵ вилоятига етишиб, бир неча кун шу ерда туриб қолдим. Алқисса, фақир ул шаҳарни кўриб, ҳайрат бармоғини тишлаб, ўйга толдим. Чунки, Шамай шаҳри жуда гўзал ва латиф бир жой бўлиб, бу ерга Чин томондан азим бир дарё оқиб келиб, шу шаҳар олдида оқиб ўтади. Халқ ундан кемаларда кечиб ўтишади. Бу дарёнинг охири Хазар денгизи¹⁶¹⁶ га бориб қуяди. Шаҳардаги уйларнинг бариси ёғочдан қурилган. Уйлар сафоли ва эшикларга катта-катта ойна-шишалар ўрнатиб, умумий кўча томонга қаратиб деразалар очишган. Шаҳар тарҳи саккиз бурчак шаклида бино қилинган. Катта кўча йўлининг ҳеч ерида эгри-бугри жой йўқ. Агар кимдир шу қоидани бузиб уй курса, подшоҳ томондан одам келади-да, у ерни буздириб, уй эгасини жазолайди. Бинобарин, бирон киши Ўрусия мамлакатадаги юзта шаҳарни кезиб чиқса ҳам бирон ерда бузилган уй, эгри кўчани кўриши амри маҳол. Шамай турли ўлкалардан кўплаб савдогарлар келиб йиғиладиган тижорат шаҳри бўлиб, савдо расталарига бой ва арзончилик туфайли фаровон ер. Аммо, мева-чева борасида бундай таърифга сира ўрин йўқ, чунки бу ерда мевали дарахт жуда кам, ҳатто, битта шалғам анқонинг уруғи каби кадрли, бир толнинг сояси Туби дарахти сояси каби ноёбдир. Ул вилоят ҳавоси шу даржа совуқки, музлаган сув қалинлиги уч газга етади. Ҳавосининг қандай қаттиқ совуқ бўлишини шундан билса бўлади. Бу ерга Мовароуннаҳрнинг катта шаҳарларидан бой-бадавлат кишилар савдо-сотик ишлари учун келиб, қозоқ қизларга уйланиб, турғун яшаб қолишган. Бу кўшма никоҳлардан фарзандлар вужудга келган ва уларни «чала қозоқ» деб аташади. Худойи таоло инсон хислатларидан бири ҳисобланмиш кулгуни бу халқ табиатига ҳеч бир аямасдан қориштирганки, кулишдан бошқа нарсани билишмайди. Кулгу фақат шу жамоага хос бўлиб, фақир ўзга ҳеч бир иқлим ва ҳеч бир миллатда бундай очик феълли кишиларни кўрмадим. Ҳа, айтмоқчи, фақат Шаҳрисабзнинг мир баччаларида ўша вилоят одамларининг қилиғини кузатиш мумкин. **Мисраъ:** Ханда дорад ҳар касе ўро ғуруре дар сар аст (Кимнинг ғурури баланд бўлсагина кулги соҳиби бўлади].

Гапнинг қаймоғи шуки, Омск деган шаҳар ҳам жуда катта ва обод жой бўлиб, Шамайдан тўрт кунлик масофа узоқликда. У ерларнинг барча шаҳарлари ўша вилоят ҳокимлигига тобеъдир. Ҳокимни губернатур деб аташади. Губернатури менинг Шамайга келганимни эшитиб, ғойибона тарзда танишлик алоқасини йўлга қўйди ва каминанинг бошидан кечирганларини қаламга олдириб, давлат пойтахтига Ўрус подшоҳи ҳузурига ёзиб юборди.

Фақирнинг губернатор, яъни Ўрус подшоҳининг вазири билан суҳбатлашгани зикри

Губернатор бир неча вақтдан сўнг сайру сафар йўсини билан Шамай вилоятига келди. Унинг келгани кунисининг эртаси фақир ўз уйимда неча бир ғам-ғусса билан ўтирган эдим. Шунда тўсатдан куёш юзли, лаби устидаги мўйлови эндигина сабза урган жуда бир чиройли йигит эғнида тиллодўзи либос, кўкрагига нозик тилла занжирлар ялтир-юлтир тарзда осилган, ёқасига олтин туморлар тикилган, белига тилло қилич тақилган ва бош кийимини эса кўлида ушлаган, боши яланғоч ҳолатда кўркам бир кўриниш билан кириб келди. Келиб каминанинг кўлини ўпди. Ўрис тилида бир нималар дегач, қад ростлаб турди. Ёғнида тилларни билувчи яна бир ўрис бор эди, ҳалиги йигит сўзлаб турганида менга гапларини таржима қилиб берарди. Айтишича, губернатор ўзининг хос *махрамини* менинг ҳузуримга юборган ва ҳозир «хуш келибсиз» сўзларини айтмоқда экан. Фақир ул суқсур юзли

¹⁶¹⁵ Шамай/Семей – Семипалатинск Шарқий Қозоғистон вилоятидаги шаҳар (1782 й.дан). Иртиш дарёсининг ҳар иккала соҳилида, ўнг қирғоғидаги бандар бўлган.

¹⁶¹⁶ Хазар денгизи – Каспий денгизи.

пўрим йигитнинг ҳусну жамолига маҳлиё бўлиб қолган эдим. Нима деб жавоб беришимни ҳам билмай қолдим. Бироздан сўнг «ўтиринг» дедим. Ул насоро ўспирин минг бир таъзим одоби билан рўпарамга ўтирди. Суҳбатимиз таржимон воситасида қизий бошлади. Сўнг ул йигит осмонга бўй чўзган сарв дарахтидек ўрнидан туриб, губернатор тилидан «эртага Сиз жаноблари уйимизга ташриф буюрсангиз ёки биз қошингизга келсак» қабилидаги чиройли мулозаматлар билан губернатор номидан мени хўжайини қасрига таклиф этди. Фақир қабул бармоғини кўзим устига босиб, эртага бориш ваъдасини бердим. Ўша кечани таклиф қилиб келишларини кутиб ўтказдим. Эртасига кутилмаганда ул йигит ёнидаги заррин либослар кийган тўртта ой юзли, анбар сочли ғуломлар ҳамроҳлигида ҳаммаёғи бутун оламни ёритиб турган тилло тангалар билан безатилган ва саккизта тоғ сағрили бир хил рангдаги тулпор отлар кўшилган аравага ўтирганча неча бир дабдаба билан келиб қолди. Камина ул суқсур йигитни кўриб, ўрнимдан сакраб турдим. У билан бирга аравага ўтириб, губернатор қасри сари йўл олдим. Яқинлашгач, бутун ён-атрофига ҳашаматли иморатлар ва тўрттала гумбази маҳобатли, саҳни жуда кенг, чиройли ҳамда катта-кичик кўнғироқлар осилган бутхона тушган катта бир майдонга кўзим тушди. Майдонда тўрт минг солдат эгнида тўфанглар билан саф тортган ва улар ёнида яна минг отлик сипоҳи ҳам бор эди. Қанчалаб *маҳрам*лар сафга тизилган, губернаторнинг ўзи эса ҳар бири бир вилоятга ҳоким бўлмиш ўн саккиз *сардори* билан жуда катта бир айвонда турарди. Мусулмон ва кофирдан йигирма минг нафар кишигача шу майдон узра тўпланган эдилар. Фақир майдонга етгач, губернатор бошини ялонғочлаб, битта ўзи айвон зинасидан тушди ва каминанинг кўлидан олди. Ўзи билан бирга каминани ҳам ўша зиналар бўйлаб айвонга олиб чиқаркан, жуда меҳрибонлик билан ҳол-аҳволимни сўради ва «Сиз жаноблари ҳам қасримиз тепасига чиқиб, кўшинимизга таълим бериш жараёнимизни томоша қилсангиз» дея кўшиб қўйди. Фақир икки хизматкорим ва губернатурнинг бир *маҳрами* билан қаср тепасига чиқиб, майдонни кўздан кечиришга тушдим. Бу томошани кўриш учун йиғилган халқ менинг губернатор билан бу қадар яқин танишилигимни кўриб, барчаси ҳайрат бармоғини тишлашди. **Байт:**

Азиз карда нагардад ба пеши мардум хор,

Ба чашм дида ҳамон жост чашми аъморо.

[Худо азиз қилган киши бандасига хор бўлмайди,

Кўрнинг ҳам кўзи кўрар кўзлар қаторидир.)

Губернот¹⁶¹⁷ пиёда солдатларига топшириқлар бериб, уларга бир неча соҳа бўйича қисмларга бўлиб, таълим-топшириқлар берди. Уларнинг бу ишидан одамнинг ақли шошар ва ҳайрати ошарди. Сўнг отлик сипоҳларга юзланиб, уларга ҳам турли-туман буйруқ бериб, имтиҳондан ўткарди. Иттифоқан, ўша куниси ўрисларнинг диний байрами экан. Роҳиблар савмаа¹⁶¹⁸ эшикларини ланг очдилар ва катта кўнғироқларни жаранглатиб чалдилар. Барча катта-ю, кичик ва хотин-халажу эркак губернотни кутмоқда эдилар. Ўша пайтда ҳалиги ёш йигит губернатор олдидан тезлик билан фақир ёнига келиб «губернатур, бугун бизнинг улуғ байрамимиз, дайрга кириб икки соатча ушланиб қоламан, ибодатдан сўнг ҳузурларига бораман, кўшингизга кетиб қолмас экансиз хафа бўлмасликлари учун уларнинг ёнида бўлиб тур, дея олдингизга юбордилар» деди. Шу зайл ул қад-қомати расо йигит губернатур хабарини менга етказган бўлди. Аммо, жуда изтироб ичида «афсуски бугун катта ибодатдан қолдим» деб хўрсинди. Уларнинг расмича, ислом аҳли бутхонага киритилмайди. Фақир бундан беҳабар ул суқсур йигитнинг бетоқат бўлаётганига ачиниш билдириб «биз ҳам сен билан бутхонани томоша қилиш учун борақолайлик» дедим. Бу каби сўзларни фақирдан эшитгач, жуда хурсандлик билан чаққон бир тарзда ўрнидан сапчиб турди ва губернатор ҳузурига чопди. Губернатурнинг қулоғига айтганларимни шипшиди. Губернатур роса кулди ва мен турган қаср томон юзланди. Олдимга келиб «Сизни яхши кўрганим учун ўз дайримизга олиб бораман. Йўқса, ислом аҳлини савмаамизга олиб бориш бизнинг расму урфимиз бўйича мумкин эмас» деди ва фақат фақирнигина кўлимдан ушлаб, савмаа томон юзланди. Бу ҳолни кузатиб турган хотину халаж ва эркакларнинг бариси, Ўрус подшоҳининг вазири бу (мусулмон) шахсни намунча ҳурмат қилмаса, деган ўйда ҳайратдан донг қотдилар. Бу ҳайронлик уларнинг барчаси ҳам Ўрус давлатининг қоидаси бўйича бирор вилоятдан улуғзода бир киши мамалакатларига келганда унга ана шундай ҳурмат кўрсатиш вожиб эканини билмаганлари сабабидан эди. Алқисса, савмаа эшигига етишдим ва катта дайр ичига кириб, жуда кенг ва баланд ҳамда ўта дид билан безатилган салобатли саройни кўрдим. Унинг деворларида ҳаддан зиёд кўп тилло гардишли расмлар осилиб турарди. Айниқса, ҳазрати Исо алайҳиссалом ва ҳазрати Марям ва тўртта яқин¹⁶¹⁹ фаришталарнинг суратини чунонам олтин ва

¹⁶¹⁷ Губернот – губернатор.

¹⁶¹⁸ Савмаа – аслида монастыр. Бу ерда калисо, черков.

¹⁶¹⁹ Матнда “муқарриб”.

жавохир билан худди ўзларига ўхшатиб чизган эдиларки, гўё бу тасвирлар одам назарида тилга кириб, гапириб тургандай тасаввур ҳосил қиларди. Талайгина роҳиблар эгнига ҳар хил қимматбаҳо либослар кийиб, овоз чиқарганча бир нималарни ўқишмоқда эди. Вилоят амирларининг хотин ва қизлари бир томонда саф тортишганди. Амирлар ва саркардаларнинг ўзлари эса яна бир томонда саф чекиб туришарди. Юзга яқин ўн икки яшарлик болакайлар ўз тилида баланд ва ёқимли товуш билан бир хил мақомда худди тошлар сувдек эриб кетадиган даражада Инжил ўқишарди. Гоҳ-гоҳ улар бошини саждага қўяр, қўллари билан аллқандай ишоралар ҳам қилишарди. Уларнинг айрим ҳаракатларини кўриб, шундай кулгим қистадики, ҳеч йўл билан ўзимни кулгидан тия олмасдим. Иттифоқан, ёнимда турган бояги хушбичим йигитимиз қўлимдан қаттиқ ушлаганча енгимдан ерга тортиб, кўз қири билан «бу ер куладиган жой эмас» деган ишорани қилди. Фақир ўзимни зўрға ушладим. Бутга чўқиниш маросимидан сўнг ҳар ким ўз уйига тарқалиб кетди. Фақирингиз ҳам губернатур ҳамроҳлигида унинг қасрига борди. Олдимга турли-туман анвойи таом, ичимликлар тортишди. Фақир исломий эҳтиёткорлик юзасидан бирон нарса емадим. Ўтириш тугагач, губернатур менга бир дона асл фаранги соат, бир дона фаранги дурбин совға қилди ва шундан сўнг қайтишимга ижозат берди. Яна ўша йигит ҳамроҳлигида ўз қўшимга қайтиб келдим. Эртасига губернатурнинг ўзи мурувват ва шафқат белгисини кўрсатиб, шунча улуг киши бўлишига қарамай, фақирнинг уйига келди. Бирор фурсат суҳбат қуриб, тагин ўз қасрига қайтиб кетди. Хулласи калом, губернатур мазкур шаҳарда турган етти куни мобайнида ҳар кун бирга суҳбатлар қурдик. Бир куни суҳбат чоғи қуйидаги масала бўйича қаттиқ туриб ўтинар экан: – Подшоҳимиздан бизга хат келди. Унда, агар Ҳакимхон бизни ва бу томон вилоятларини кўришни истаса, жуда иззат-икром билан бу тарафга юбор, деб ёзилган. Агар маъқул кўрсангиз, подшоҳ Сиз ҳаққингизда кўп меҳрибонликлар адо этиш учун тайёрдирлар, – деди. Фақир ўзимча «қариндош ва мусулмон жигарингдан нима кўрибсанки, бегона кофирлардан яхшилик кўрсанг» дедим. «Мусулмон жигар» деганим Муҳаммадалихон бўлиб, у маҳалларда ҳали бу лаънати номард кофир эмасди. Губернатур илтимоси жавобиди: – Мен молу мулк ва қавму қариндошдан ажралиб, неча бир меҳнат-машаққатда бу диёрга етиб келганман. Байтуллоҳ зиёратини қилмагунимча ҳеч бир ишни орзу қилмайман, дея ният этганман, – дедим. Бу гапимни эшитган губернатур ноилож мендан умидини узишга мажбур бўлди. У эртаси куни бу шаҳардаги ишларини битказиб, ўз қароргоҳи сари жўнаб кетди. Ўшанда фақирнинг бисотида битта безатилган жабдуқ (от ёпинғичи) ва битта фўта(мато)¹⁶²⁰ дан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Ҳар иккаласини уч юз тиллога сотдим. Бир савдогар танишим, агар Ирбит бозори¹⁶²¹ га борсангиз, беш юз тилло қарз бераман, дея ваъда қилди. Фақир чор-ночор Ирбит сафарига чиқишга мажбур бўлдим. Аксига олиб бу маҳалда қаҳратон қишнинг қаттиқ совуғи ҳам айни авжига чиққан палла эди. Ниҳоят, ҳар биттасига иккитадан савдогар ўз юки билан ўтириб олган ўнта аравага миниб, ўша тарафга қараб кетдик. Ҳар битта аравага олтидан от қўшилган бўлиб, ҳар уч фарсахда уларни кира олинадиган отлар ҳисобига янгилаб борардик. На кеча, на кундуз ҳеч бир ерда бирор соат ҳам дам олмасдан кетаётгандик. Бир кеча-кундузда эллик фарсах масофа йўлни босиб ўтган пайтларимиз ҳам кўп бўлди. Ниҳоят, Омски (Омск)¹⁶²² шаҳрига етишиб, унинг катта ва обод бир жой эканини кўрдим. Шаҳар аҳолиси эллик минг хонадонни ташкил этар эди. Халқининг барчаси кофир бўлиб, савдо ишлари билан келиб, турғун яшаётган бир нафар кишидан бошқа мусулмон кишиси йўқ эди. Ўша мусулмон киши турган жойга бориб тушдим. Қарангки, бахтимга қарши у ҳам шаҳарда йўқ экан, савдо ишлари билан қайсидир ерга кетибди.

Хулласи калом, биздан беш кун бурун губернатур ҳалиги *маҳрам* йигити билан бирга подшоҳ ҳузурига кетишган экан. Аммо, унинг амирлари мени танишар ва хотини ҳам фақир ҳақида эридан эшитган бўлиб, келганимдан огоҳлик топган заҳоти жуда тезлик билан олдимга *маҳрамини* юборди ва у келиб «Сиз жанобни губернатурнинг рафиқалари чорламоқда» деди. Фақир ўзимнинг битта хизматкорим билан губернатур қасрига йўл олдим. Саройига етишгач, қарасам губернатор ўзига ақл хайрон қоладиган даражадаги ҳашаматли бир иморат қурдирган экан. Бир неча эшик орқали фақирни губернатурнинг девонхонасига олиб боришди. Хонада барча амирлар саф тортган ва хона ўртасида олтин курсида губернатурнинг ниҳоятда соҳиб жамол хотини ўтирарди. У гўзал гўё юзининг ёғдули нури ёрдамида қоронғу тунни кундуз кунидан ҳам ёруғроқ қилувчи ўн тўрт кунлик ойга менгзар,

¹⁶²⁰ Аслида фўта бир порча матодир. Уни ҳаммомга кирганда белни бойлаб кирардилар.

¹⁶²¹ Ирбит бозори Ирбит шаҳрида бўладиган ярмарка кўзди тутилмоқда.

¹⁶²² Омск – Россия Федерацияси Омск вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Омь дарёси Иртишга қуйиладиган ерда. 1716 й.да Сибирни эгаллаш учун таянч пункти сифатида қурилган. 1782 й.гача Омь остроги, 1782-97 й.ларда ва 1804 й.дан шаҳар. Сибирь казак қўшинлари (1808-1917), Фарбий Сибирь (1824-82) ва Чўл генерал-губернаторликлари (1882-1917) маркази.

осмон тоқининг ягона қандили саналмиш офтобнинг жаҳонни ёритувчи чироғи унинг мажлисга оро берувчи чехраси нурига тоб бера олмай, унутилиш қаърига қулаган эди. **Байт:**

Моҳ некўст, вале рўйи ту зеботар аз ўст,
Сарв дилжўст, вале қади ту болотар аз ўст.
[Ой яхши, лекин сенинг юзинг чиройлироқ,
Сарв дилтортар, лекин қоматинг ундан тикроқ].

Бошидан то белигача жавҳарларга кўмилган бўлиб, уларнинг нури хонанинг мармар тошларини ёруғлантириб турарди. Бўйнига кашмирий ҳарир фўта ташлаган, эгнига ниҳоятда нозик зар кўйлак кийганди. Очiq бошига олмос нишонли катта бир тарокни сочи узра қадаган бўлиб, шу ўтиришда неча бир нозу карашма ва истиғно ила ўз амирлари билан гаплашмоқда эди. **Қитъа:**

Зулфи худ дар назарам бишкасти,
Хор дар чашми тарам бишкасти.
Эй фаранги, дилу дастат шиканад,
Ҳам сару ҳам камарам бишкасти.
[Зулфингни кўзим олдида ёйдинг,
Гўё ёшли кўзимга тикан санчдинг.
Эй фарангий, дилу қўлинг синсин,
Ҳам бошим, ҳам белим синдирдинг].

Фақирни кўргач, ўрнидан турди. Бир неча қадам олдинга босиб, пешонамдан ўпди ва қўлимдан тутиб, ўтирган жойига олиб бориб, ёнидаги олтин курсига ўтқазди. Шунда, очиғи, бутун вужудимга «ахир бир талай амирларининг кўзи олдида губернатурнинг хотини томонидан амалга ошаётган бу ўринсиз қилиғи тағин нимаси бўлдийкин» дея титроқ кириб, ўтакам ёрилаёзди. Чунки, бу пайтда хали уларнинг бу каби расму одоб ва одатларидан бутунлай хабарсиз эдим-да! Шоир демиш, **байт:**

Бўсае карди ту кофир ин қадар нози ту чист,
Гар пушаймони, биё то боз бар жояш ниҳам.
[Ўпиб олдинг сен кофир бу қадар нозинг не,
Ўпганинга пушаймон есанг, кел, яна жойига қўй].

Алқисса, жуда бир етук алпозда ҳол-аҳволимни сўради ва иззат-ҳурмат кўрсатди. Эри губернатур айтган подшоҳ олдида боришим ҳақидаги таклифни у ҳам шу тарзда баён қилди. Мен эсам яна ўша биринчи мазмундаги жавобимни қайтардим ва фурсатдан фойдланиб, бу ҳудудларда юриш учун рухсатнома хати беришини илтимос қилдим. Чунки, Шамай ҳокими менга рухсатнома бермай, бунақа хатнинг Омскда берилишини айтганди. Ул пари чехра «биз губернатур буйруғисиз Сиз жанобларига рухсатнома бера олмаймиз» деди. Буларнинг расми бўйича эри йўқ пайти мамлакат ишларини хотини сўрайверади. Шунинг учун мен ҳам рухсатномани губернатур хотинидан тилаётган эдим. Ул қамар сиймодан бу жавобни эшитгач, хўрлигим келиб кетди. Кўз ёшларимни зўрға тийиб, неча бир ғам ва дард билан кўшимга қайтдим. Чунки, мабодо, подшоҳнинг ўзидан хат орқали рухсат сўраладиган бўлса, жавобини олти ой кутиш керак. Шунинг учун фақир ўй ва фикр денгизига чўмдим. Ўртоқ тутинганим савдогарлар бу сўзни эшитиб, фақирни ул кофиристонда иккита хизматкорим билан ёлғиз қолдириб, манзилу мақсад сари равона бўлдилар. Камина иккита хизматкор билан уч кун габрлар орасида боши айланган кўйи ҳайрон ўтирдим. **Байт:**

На аз рафиқ вафо ва на аз ҳаёт умед,
На аз сипехр башорат, на аз замона навид.
[Дўстда дўстлик қолмади, ҳаётдан сўнди умид,
Фалақдан иноят тушмас, замона хушхабарсиз].

Тўртинчи кеча тундан ярми оққанда кўшимда неча бир ғаму ҳасрат билан ўтирган эдим. Иккита хушсурат йигит ва иккита анбар сочли канизак эшикдан кириб келишди ва ўрус тилида салом бериб, одоб сақлаб туришди. Фақир ўтиришларига ишора қилдим. Ўтиришди ва «Сизни малика чақираяпти» дейишди. Фақир улардан бу сўзни эшитгач, фикр гирдобига чўмдим ва анча ўйлангач, чор-ночор ўзимнинг бир хизматкорим билан губернатур қасри сари юзландим. Етиб боргач, бир неча эшиклардан ўтиб, малика ўтирган жойга кириб бордим. У ўтирган хона жуда улкан бўлиб, ҳаммаёғига тилла суви югуртилган, шифтлари фарангий ойналар билан қопланган, бир нечта кофурий ва мум шамлар воситасида ёритилган хонадан оламга нур таралар эди. Ой юзли канизлар маликанинг икки томони бўйлаб саф тортган ва ул гулрухлар бошлиғи ўзининг бир нечта надими куршовида хона ўртасидаги заррин курси устида ўтирганча қип-қизил май ичмоқда эди. Бир нечта мутриблар соз чалиб, урус тилида нималарнидир хиргойи қилишарди. Маликанинг кўзи менга тушгач, оловга тушган исирик каби сакраб ўрнидан туриб, истикболимга келди. Қўлимдан ушлаб,

яна ўзи ёнидан жой берди ва кўп мушфиқона сўзлар айтди. Сўнг май ичишни таклиф қилди. Мен эсам ушбу **байт**ни айтдим:

Донам ки маро қуввати май хўрдан нест,
Боре ба тамошойи шумо меоям.
[Май ичишга қолмаганку менда дармон,
Келдим Сизни кўрай деб яна беармон].

Каминанинг бу сўзлари маликага жуда хуш ёқди ва қайта май ичишга ундамади. Ўз ҳолимга кўйди. Мажлисимиз эса барибир қизигандан-қизиб, ҳар тўғрида сўзлашиб ўтирдик. Ҳар қалай маликанинг дилини шод қилдим. Чунки, бундай ҳаракатлардан умидим қандай қилиб бўлса ҳам рухсатнома хатини қўлга киритиш эди. Бу даврга келиб урус тилида гаплашиш бўйича ҳам анча маҳоратим ортган ва бу ҳам кўп фойда бермоқда эди. Малика менга қараб «Ҳакимхон, тўғрисини айт, сенингча неча яшар аёллар яхши» деди. Мен «агар нафси бир-икки бор шахват лаззатини татиган ёш аёл бўлса, улар билан яқинлашув заифлик ва сустлик келтиради. Чун демишлар, **қитъа**:

Он занеро ки пушт шуд чу камон,
Нафсаш рост ҳамчу тир шавад.
Суҳбати духтаре ки жон бахшад,
Заҳри қотил шавад чу пир шавад.
[Орқаси камондек эгилган аёлнинг,
Нафси очилса ўқдек тўғри бўлур.
Жон киритувчи қизнинг суҳбати,
Қариганда ўлдирувчи оғу бўлур].

Ўн ёшдан то йигирма ёшгача қизлар хавфсизлик макони ва умид маҳали турурлар. Йигирмадан ўттизгача толиблар дилининг ороми ва роғиблар жонига лаззатдирлар. Ўттиздан то қирққача мол ва фарзанд эгаси, баланд ҳиммат соҳибидирлар. Қирқдан эллиққача ному номус бандида, ризку икки юзламачилик ҳузурида, эллиқдан олтмишгача қора бало, молу мансаб офати, хазон кўрган гулшани, ёмғирда қолган уй, тўлиб оққан чашма, экилмаган ер, ганжсиз аждаҳо, меҳнат ва ранж кони эрурлар. Бу борада айтмишлар, **назм**:

Зан чу зи панжаҳ қадам он сў ниҳад,
Мард ҳамон беҳ ки ба як сў жиҳад.
Зан ки чу аз панжаи панжаҳ бижаст,
Оқибат ул-амр дар афтад ба шаст.
[Аёл эллиқдан нарига қадам босса,
Яхшиси эркак бирор томон қочса.
Хотин эллиқнинг панжасидан қутулса,

Оқибат бош бармоққа бориб тушади].

Фақир бу байтларни ҳам ўрусчага ўгириб айтиб бердим ва: – Эй малика, бу сўзларни ўзимдан чиқариб айтаётганим йўқ. Барча донишмандлар бунга амин бўлишиб, сўнг ўз китобларида ёзганлар, – дея кўшиб кўйдим. Малика бу сўзларни эшитгач, чунонам кулгиси кистадики, ўзини хохолаб кулишдан зўрға сақлаб турди. Сўнг «айтганларининг ҳаммаси рост» деди ва булардан кўнгли кўтарилиб, тила тилагингни, дея лутф кўрсатди. Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб қолиш илинжида «фақирга паспорт, яъни, рухсатнома беринг» дедим. Малика яна нозу карашма қилди. Бироз вақт ўтгач ул санамнинг ўта мастлик даражасига еганини кўриб, мен яна олдинги сўзимга қайтиб, кўп ялиниш билан рухсатномани сўрайвердим. Бу гал ширакайф хоним рухсатномамга муҳр босиб, кўлимга тутқазди ва кетишимга ижозат берди. Сахар чоғи ўз кўшимга келиб, шукрлар адо этганча ҳеч тўхталмай аравага ўтирдим ва кофиристон томон равона бўлдим. Жуда хурсандлик ва тезлик билан йўл босиб борардим. Ҳаво ҳам қушлар қанот қоқишга мажболи етмас даражада совуқ эди. Ўруснинг араваси худди сандиққа ўхшайди. Ичида бир нечта пўстинимизни устма-уст қат-қат қилиб ётганча кетардик. Фақат кира ҳақини тўлаш пайтигина бошимизни кўтарардик, бошқа пайти эса қаерга кетаётганимизни ҳам билмасдик. Гоҳида эса таҳорат синдириш ва вузу олиш мақсадида ночор аравадан тушар, габрлар бу одатимизни кўриб, устимиздан масхара қилиб кулишарди. Улар исинаётган оловда қизиниб ўтириш ва ётиш учун борсак, бизларга чўчкалар орасидан жой кўрсатишарди. Улар учун бу оддий ҳол бўлиб, чунки, руслар чўчкаларни уйларида ит каби уй хайвони ўрнида сақлашарди. Шу пайтларда, қанийди биронта мусулмон кишини учратиб қолсам, дея орзу қилардим. Кўнглимда шундан бўлак орзу-умид ҳам қолмаган эди ўзи. Шу янглиғ қийинчилик билан йўл босиб борардик. Ўн беш кун деганда Ирбит шаҳрига етдим. Шамай вилоятдан бу ергача карвон йўли ҳисобида икки ойлик масофа бўлиб, биз эса унга ўн етти кунда келдик. Ирбит азим ва

обод шаҳар бўлиб, унда ҳар иқлимдан келган тожирлар бор эди. Хусусан, Мовароуннаҳрдан келган савдогарлар кўп экан. Уларни кўриб, қувончим ичимга сиғмай кетди. Анча ахтаргач, ҳалиги кетиб қолган йўлдошларимни топдим. Олий бир қасрга тушдик. Ўша кечаси шукрлар айтганча дам олиб, йўл азобидан қутулдик. Эртаси куни сайр қилиш учун ташқарига чиқдим. Кўз олдимда ниҳоятда катта ва гўзалликда тенгсиз шаҳар турар, унда олий иморатлар қад кўтарган, шаҳар ўртасида бир бозор барпо қилинган бўлиб, жуда ораста ва икки қаторасига қурилган расталари батартиб, баланд-баланд дўконларининг ҳар бири турли-туман матолар билан лиқ тўлган эди. **Байт:**

Ба ҳар сў дўконе шуд ораста,
Муҳайё дар ў ҳар чи дил хоста.
[Ҳар тарафда ораста дўконлар,
Уларда истаган нарсангиз муҳайё].

Ҳеч бир иқлимда бунга ўхшаши ва тенг келадигани йўқ. Ўрус вилоятида ҳар йили иккита жойда бир мартадан жаҳон бозори бўлади – бири Ирбитда, иккинчиси Макареда¹⁶²³. Бу бозорларга дунёнинг етти иқлимидан савдогарлар йиғилишади. Шу сабабли бир ойгача ул бозорларда чунонам мол тўпланадик, бунақаси ҳеч бир иқлимда бўлмаса керак. Масалан, ўша Ирбит бозорида келишган бир фаранги боланинг турли матолар сотаётганини айтай – ўйлашимча, Мовароуннаҳр бозорларидаги барча молу матоҳларни бир ерга йиғсалар ҳам унинг ўша биттагина дўконидаги молига тенг кела олмаслиги аниқ гап.

Алқисса, бу вилоятда совуқ қаттиқлигидан қор жуда кўп ёғади ва шу сабабли йўлларда ўлиб ётган отларга тез-тез кўзингиз тушиб туради. Бинобарин, савдогарлар араваларига от ўрнига ит боғлаб, юқларини шу жониворлар ёрдамида ташийдилар. Оқшомлари жуда узун, кунлари эса бир тутам. Аммо, ҳозир харобага айланган Булғор¹⁶²⁴ ўрнида обод тарзда тикланган Қозон¹⁶²⁵ шаҳрида эса ёз фаслида иккиси кам эллик кун давомида хуфтон намозини ўқимайдилар. Чунки, бу ерда аксинча тун қисқа бўлиб, ҳали кечки шафақ кетиб улгурмасдан бурун тонг отади. Ирбитда эса унинг тескариси. Ирбитдан Зулумотгача бир ҳафталик йўл. Туркистоннинг барча вилоятларидан савдогарлар олиб келадиган ёғ ва пилик иплари шу ерда ишлатилади. **Байт:**

Рў ба Ҳинд овардани савдогарон бе важҳ нест,
Рўзгор ойнаро мўхтожи хокистар кунад.
[Савдогарларнинг Ҳиндга бориши сабабсиз эмас,
Ҳаёт ойнани кулга мухтож қилиб қўяди].

Алқисса, фақир ўша айтганим савдогардан беш юз тиллога баҳо уриб мато олдим ва савдотик касби кетига тушдим. Ўн етти кун тургач, Ирбит вилоятидан чиқиб, юк ташийдиган чопар (почта) аравасига минганча тўрт кунда Туриск(Троицк)¹⁶²⁶ вилоятига етишдим. Туриск жуда ораста ва тоза шаҳар экан. Бир неча кун шу ерда сокин турдим. Матоларимни сотиб бўлгач, яна чопар аравага ўтирганча Ўрунбур(г)¹⁶²⁷ вилояти томон юзландим. Бир неча масофа йўл босиб ўтгач Ўрунбурга ҳам етиб олдим. Ўрунбур жуда бир катта ва обод, бой ва гўзал шаҳар. У анча тепалик бир ерда жойлашган бўлиб, шаҳар қуйисидан катта дарё оқиб ўтарди. Шаҳарнинг яна бир чеккасига эса ўша катта дарёга кема солиб ўтилади. Ўрунбург ҳам губернатур ўтирадиган шаҳардир. Бу шаҳарда Мовароуннаҳр савдогарларидан жуда кўп киши муқим яшаб қолишган. Каминани олий бир уйга туширишди. Шаҳар яхшилигидан фақир ҳам бу ерда бир неча кун яшашни ихтиёр этдим. Каминанинг келганини вилоят губернатурси эшитиб, ўзининг икки маҳрамини юборганча қасрига таклиф этди. Камина уларга «ватанидан жудо бўлган, айём шапалоғини еган, фалакнинг кўплаб азобларини чеккан, юлдузи куйган ва толеъси вайрон, неча бор уқубатларга дуч келган, толеъ ёр бўлмаган сабаб хору зорликда қолган, неча бир ўлимлардан омон чиқиб, саёҳат ихтиёр этганча бу диёрга етишган одамман. Шу ҳолимда менинг ҳокимлар билан ўтириб-туришга не ҳаддим сиғсин, ахир» дедим. Губернатурга бу аламли сўзларим маълум бўлгач, мени ўз ҳолимга қўйди. Бир куни подшоҳлик девонхонасига бориб, рухсатномамга қўл қўйдирмоқчи бўлдим. Чунки, Ўрусия расмига кўра, мусофир киши бирон вилоятда қўниб ўтса, ўша ерда ўз рухсатномасига қўл қўйдириши лозим.

¹⁶²³ Оренбургдаги Макаровка қишлоғи номи, ҳар йил халқаро савдо бозори шу ерда ўтказилгани учун бу ярмарка шарк мамлакатларида “бозори Маккора” ёки “Макариё” номи билан тилга олинган.

¹⁶²⁴ Булғор – муғуллар босқини даврида хароб этилган қадимий шаҳар.

¹⁶²⁵ Қозон/Казан – ҳозир Россия федерацияси таркибидаги Татаристон республикасининг пойтахти.

¹⁶²⁶ Туриск/Троицк – Россия федерациясининг Челябинск вилоятидаги шаҳар. Уй дарёсининг Увелька дарёсига қуйилиш жойида барпо бўлган.

¹⁶²⁷ Ўрунбур/Оренбург – Урал дарёси бўйидаги шаҳар. Илк бор 1735 й.да Ўр дарёсининг Ёйик (ҳоз. Урал)га қуйилиш жойида вужудга келган (номи шундан); 1743 й.дан ҳозирги ўрнида. XVIII-XIX асрнинг 1-ярмида ҳарбий чегара линиясининг асосий истехкоми; 1744 й.дан губерния, 1782 й.дан Уфа ноиблиги (наместничествоси)нинг маркази, 1796-1801 ва 1865 й.дан губерния маркази. Казак қўшинларининг ҳарбий ва маъмурий маркази (1748 й.дан). 1850-81 й.ларда генерал губернаторлик маркази.

Шунга кўра камина хатимни подшоҳлик девонхонасига юбордим. Девон мирзосининг кўзи фақирнинг хатига тушгач, дарҳол уни губернатурга элтиб берибди. Фақир қанча ёлворсам ҳам гапимга қулоқ осмади ва «жанобларининг хатини губернатур олиб қолган, ундан оласиз» деб жавоб берди. Бу воқеадан сал аввалроқ губернатурнинг ҳусну жамолда тенгсиз бир *махрами* билан карвонсаройда учрашиб, бироз суҳбатлашиб ўтиргандик. У ҳам губернатур билан учрашишга ундаган эди. Фақир унинг ҳам гапини қабул қилмаган эдим. **Байт:**

Сабза помол аст бар зери дарахти мевадор,
Дар миёни аҳли давлат бору хоре бештар.
[Мевали дарахт тагидаги майса топталишга маҳкум,
Бойлар олдидаги хорлик ва эзилиш юки ундан баттар].

Фақирнинг Ўрус подшоҳининг губернатур ноиби билан учрашгани зикри

Алқисса, эртаси куни фақирингиз ноилож эзилган кўйи губернатур қасри сари юзландим. Қаср олдида етгач, яхшилаб разм солдим. Қаср шаҳар четида дарёга қаратиб қурилган экан. Энди гўзаллигини асти қўяверасиз. Ҳашаматли ва бир неча табақадан иборат бу кошона деразаларига фарангий ойна солинган, ҳаммаси дарё томонга қараб очилади. Қаср рўпарасида ва дарё томонда кичик бир тўқай бўлиб, шу дарё қирғоғига жойлашган. Жуда катта-катта дарахтлари бор. Ўша тўқайнинг бир таноб ерини қаср рўпарасидан очиб, ерни чунонам теп-текис қилган ҳолда йўлак хиёбонлар яратишган, ўтирадиган дам олиш ўриндиқлари ясашган. Буларни кўриб ақл хайрон қолади.

Хулласи калом, фақир қасрга кирдим. Қарасам, карвонсаройда мени таклиф қилган ўша йигит кат устида маза қилиб уйқуни урмоқда. Ўша томонга қараб юрдим ва ёнига бориб, гўстохлик қилганча, дам олиб ётган бу йигитнинг қўлини қаттиқ қисдим. Мастога кўзларини очиб, менга қаради. Мени кўриб, дарров сапчиб ўрнидан турди ва хурсанд бўлиб, ҳурмат изҳор этди. Сўнг зудлик билан либосларини кийиб, мен губернатурнинг олдида бораман, деди. Мен ҳам, жуда яхши, дедим. *Маҳрам* бизни қолдириб, ўзи губернатур ҳузурига ошиқди. Бироздан сўнг чопқиллаб келди-да, ташриф буюрсинлар, губернатур Сизни кутмоқдалар, деди. Ўрнимдан туриб ул жонон йигит билан бирга қасрнинг губернатур ўтирган жойи томон йўналдик. Губернатур қаршимизга чиққанча кутиб олиб, зўр ҳурмат билан ичкарига бошлади ва «Сизнинг ўз вилоятингиздан чиққан кундан бошлаб бошингиздан кечган воқеалардан тўла хабардормиз. Менинг муддаоим шуки, Сиз жаноблари Петербур(г)¹⁶²⁸ шаҳрига бориб, подшоҳимиз билан учрашсангиз, чунки подшоҳимиз Сиз билан ана шундай мулоқотни орзиқиб кутмоқдалар. Аммо, бизнинг расму қоидамизда бирор кишини зўрлик билан подшоҳ ҳузурига юбориш деган гап йўқ. Бизнинг қонунларимиз, одоб ва расму-русумимиз сизларники кабидир. Йўқса, то шу кунгача Сиз жанобларини аллақачон подшоҳ олдида жўнатган бўлардик» деди. Мен унинг сўзларига жавобан: – Ҳа, албатта, юртингизнинг қонунлари мақбуллигидан камина мана бир неча вақтдан бери бу ерларда бемалол яшаб юрибман. Агар вилоятингиз бизнинг Мовароуннаҳр сингари бўлганда эди, бир кун муқим туриш ҳам амир маҳол бўларди, – дея, ушбу **байт**ни ўқидим:

Биист он жо ки озоре набошад,
Касеро бо касе коре набошад.
[Озор етмайдиган, бировнинг биров ила
Иши йўқ жойда муқим тургину, яша].

Губернатур бу байтни эшитиб, жуда хурсанд бўлди. Бироздан сўнг рухсатномамни сўраб олдим, шу аснода эса губернатур яна бир бор подшоҳ олдида боришим ҳақидаги таклифини ўртага солиб, анча ўтинди. Фақир ҳам губернатурга тагин ўша аввалгидек қилиб рад жавобини бердим. Қараса, осонликча розилик оладиган эмас, шунинг учун ўз ҳолимга қўйишга мажбур бўлди. Аммо, ушбуларни қўшимча қилди: – Агар бу бегона шаҳарда зериксалар, кўнгиллари тусаган пайти бемалол чорбоғимизга ташриф буюришлари мумкин.

Губернатурнинг шаҳардан бир фарсах масофа ташқари ерда чорбоғи бўлиб, унинг рухсатсиз ҳеч бир кимсанинг бу чорбоққа боришга ҳадди сиғмасди. Гўзаллик ва яхшилиқда кўнгилга сурур бахш этувчи бир мавзеъ ва тенгсиз кўкаламзор ер эди. Ям-яшил ўтлоқзорининг уфқи осмон шифтига туташган, экин-тикинлари саранжом-саришта ва атр сочувчи райҳонлари аксидан қуш қаноти товус думидек бўлиб кўринарди. Мевасиз дарахтлари сон-саноксиз бўлиб, аммо, иқлимнинг совуқлигидан

¹⁶²⁸ Петербург/Питербург/Санкт-Петербург – Россия императори Петр I янги пойтахт сифатида қурилган шаҳар.

меваги дарахтлардан холи эди. Ўрусиянинг Аштархон¹⁶²⁹, Саратов¹⁶³⁰ вилоятларидан бошқа қисмларининг ҳаммаси шундай меваги дарахтлар ўсмайдиган минтақалардан иборат. Бироқ, бу ердаги тўқайда онда-сонда бир-иккита меваги дарахт учраб қоларди. Мазкур чорбоғда олий иморатлар қурилган бўлиб, ҳар хил меваги дарахтлар ва анвойи гулларни ҳам ёғоч челақларга ўтқазиб ўстиришганди. Қишда бу дарахтларни совуқ уриб кетмаслиги учун шишадан катта-катта хоналар қуриб, ўшанга кўчириб ўтиришар ва ичини ўтин ёқиб қиздириб, шу тариқа уларни парваришлаб, қиш совуғидан асраганча ўстиришарди. Агар бошқа бирон жойга ўтқазиб лозим бўлса ёки яна битта чорбоғ яратиш зарурати туғилса, мутасаддилар дарахтлар ва гулларни челаги билан бирга ўша ерга кўтариб олиб бориб ўтқазашади. Хиёбон қилишадими ёки олтига-олти, еттига-етти қилиб майдон яратишадими, кўнгилларига қай шаклда ясама ва кўчма чорбоғ яратмоқчи бўлсалар, ўша ҳолатда бунёд этишаверади. Мазкур чорбоғдаги меваги дарахту гулларнинг ҳаммаси беш юзта челақда парвариш қилинаётган бўлиб, барчаси вояга етган эди. Аммо, меваларининг маза-матраси йўқ. Фақир челақдаги бу гуллардан бир этак ва мевасидан атиги иккита шафтолу узгандим, боғбоннинг жуда жаҳли чиқди. Бироқ, губернаторнинг топшириғи шундай бўлгани сабабли бечора тишини-тишига қўйиб, чидашга мажбур эди. Шунда фақирнинг тилидан ушбу **байт** жорий бўлди:

Боғбон, гул нагирифтам, ба ман озурда мабош,
Пораҳойи жигар аст ин ки ба доман дорам.
[Эй боғбон, гул олмадим, мендан ўпкалама,
Бу этагимдагилар юрагимнинг бўлаклари].

Шафтолидан биттасини юзимни буриштириб едим, иккинчисини эса шаҳарга олиб бордим. Умрида мева кўрмаган кишилар бундай ажойиботни кўриб ҳангу-манг бўлиб қолишди. Шафтолини қўлма-қўл қилиб айлантришди. Шунинг учун ҳам бу ерларда мева ўта қадрли бўлиб, мабодо, биронта меваги дарахт бўлса, гуллай бошлаш пайтиёқ дарахт тагига биронтаси гулга шикаст етказмасин, деган мақсадда огоҳлантриш ёзувини битиб қўйишади.

Алғараз. Ўша пайтда ул шаҳарда бир армани қиз тилларга тушган бўлиб, агар пари бу гул андомлининг хусну жамолини кўрса рашқдан эси оғар, хуру фаришталар бебаҳо қимматга эга хусни олдида жон нисор қиларди. Бу париваш юзининг оташида дил исирик донасидек куяр, ақл ва сабр матосини ғорат қилган ҳинду қора холи жону дил нақдини ўғирлар эди. Жоду кўзидан маст нигоҳи билан бирор хусн мухлисига қиё боқса, девона қиларди. **Байт:**

Шўх армани духтар, ёри исавий миллат,
Ё биё мусулмон шав, ё маро насоро кун.
[Эй шўх армани қиз, Исо миллатли ёр,
Кел ё мусулмон бўл, ё мени насоро эт].

Ул пари юзли гоҳида товусдек мастона сайр этиш учун шаҳар кўча ва расталарини айланар, хосу авом уни кўриш учун ёнига ёпирилиб келишарди. Вилоят ҳокими губернатур ҳам ул пари қоматли армани қизга ошиқ эди. Бир куни кўшимда ўтирган эдим. Мовароуннахрнинг бир тўда савдогарлари олдимга келиб, тўйимиз бор эди, жаноблари бизга губернатурдан рухсат олиб берсалар, уч-тўрт кун давом этадиган тўйимизни чорбоққа бориб ўтказсак, дея илтимос қилишди. Фақир уларнинг сўзларини қабул қулоғи билан эшитиб, губернатор ўтирган қаср томон юзландим. Губернатурнинг хос қасрига етсам, *махрами* кўринмади. Аммо, бироз фурсатдан сўнг пайдо бўлиб, губернаторнинг муҳим ишлари бор, не хизмат бўлса, марҳамат, менга айта қолинг, бажараман, деди. Фақир воқеани гапириб бердим. *Маҳрам* сўзларимни эшитгач, дарҳол ўрнидан туриб, ичкари кетди. Кўп ўтмай, тез-тез одим ташлаганча, лабида табассум билан олдимга келиб, жанобларини губернатор чорламоқдалар, деди. Фақир дарров у билан ичкари сари йўналдим. Бир неча эшиқлардан ўтиб губернатурнинг хос ханасига кириб бордим. Қарасам, ўша армани қиз ўн тўрт кунлик ой каби оламини ёритганча ширакайф тарзда олтин курсига ёнбошлаб ўтирибди. **Рубоий:**

Гар бода хури ту бо хирадмандон хур,
розат надорад,

¹⁶²⁹ Аштархон – бугунги Астрахань. Олтин Ўрданинг инқироzi натижасида вужудга келган давлатнинг пойтахти бўлган. XIV асрда Олтин Ўрда амири Ҳожи Черкас Аштархон шахринни босиб олиб, уни алоҳида мулкка айлантирган, тахминан 1459-60 й.ларда эса бу мулк узил-кесил мустақил бўлиб олган. Аштархоннинг нинг биринчи ҳукмдори Катта Ўрда хони Аҳмаднинг биродари Маҳмуд бўлган. Хонликнинг тахм. ҳудуди: шарқда Нўғай Ўрдагача, жанубда Терек, ғарбда Кубань ва Дон дарёларигача, шимолда Сарой шахригача. Аҳолиси туркийзабон қабилалардан иборат бўлиб, асосан кўчманчи чорвачилик, қисман балиқ овлаш, овчилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. 1556 й. хонлик рус кўшинлари томонидан босиб олинган.

¹⁶³⁰ Саратов – Россиядаги шаҳар (1780 й.дан), Саратов вилояти маркази. Волга дарёсининг ўнг соҳилидаги йирик дарё бандари(порт). 1590 й.да қалъа сифатида барпо қилинган. 1780 й.дан Саратов ноиблигининг, 1797 й.дан Саратов губерняси маркази бўлган.

Ё бо санами шакарлаби хандон хур,
бо ту нигарад.

Бисёр махур, хўй макун, фош масоз,
хамчун асрор,

Кам-кам хуру пинҳон хур,
кас пай набарад.

[Май ичсанг оқилу доно билан ич, сиринг билан иши йўқ,

Ё шакарлаб кулгули санам билан ич, сенга қиё боқар.

Кўп ичма, қилиқ қилма, сирингни фош этма ҳеч,

Оз-оз ич, яширин ич, бировга билдирмай ич].

Губернатурнинг кўзи менга тушиб, ўрнидан турди. Ўз жойига ўтқазиб, меҳрибонлик билан: – Жанобларини жуда ҳурмат қиламан, шунинг учун ҳам ушбу хос суҳбатимизга таклиф этдим, – деди. Мен ҳам ўз хурсандчилигимни билдирдим. Ул пари камина ҳақида губернатурдан сўраб-суриштирди. Губернатур эса унга ётиғи билан тушунтирди. Қизнинг каминага нисбатан марҳаматли нигоҳидан мен билан суҳбатлашиш иштиёқи борлигини сездим. Шу зайл қиз билан ҳар тўғрида гаплашиб ўтирдик. Суҳбатимиз жуда қизиди, париваш иложи борича мендан кўпроқ нарсалар ҳақида сўрар ва мен ҳам қониқарли жавоблар берар эдим. Шу орада губернатур бир иш билан ташқари чиқиб кетди. Фақир ёрни рақибсиз кўриб, эй нозанинлар сарвари, бир қийин саволим бор эди, ҳал қилсанг, дедим. Қиз, айтгил, деди. Мен эсам: – Гул бу янглиғ баҳорий чехранг олдида ўз тароватини арзимас нарса деб билувчи ва ой нақшу нигорли юзинг олдида қадрсиз бир шиша бўлиб кўринувчи бир гўзал ва нозанин бўлатуриб, бу бадбашара дев билан қандай қилиб ошно тутина қолдинг? Бу сингари шайтонга қандай қилиб кўнгил кўймоқдасанки, бу узук ҳар бир Аҳриман девнинг муддао узугига тўғри келавермайди ва бу ҳангома эшиги ҳар қандай ошиқнинг илтимос калити билан очилавермайди, саъва қачон булбул билан ҳамзабонлик лофини урибди, сен ундай ов эмассанки, ҳар қандай овчининг ҳам домига тушаверсанг, ул дарахт эмассанки, ҳар қандай шамол эсиши билан ҳаракатга келаверадиган. Ахир демишлар, **байт:**

Пари нуҳуфтаруху дев дар карашмаву ноз,

Бисўхт ақл зи ҳайрат ки ин чи булажабе аст?

[Пари юзи ғамгин, дев карашмаву-ноз ила,

Ақл ҳайратдан куйди, ахир бу не сир-синоат?) – дедим. Шундан сўнг ул гулбадан бу сўзларни эшитиб, бир миқдор кулишга бошлади. Аммо, кейин бошини олдида қуйи солиб, фикр денгизига шўнғиди. Бироздан сўнг бошини кўтариб, йиғлашга тушди. Этак-этак гавҳарни юзи гулбаргига тўкиб, деди, **байт:**

Сир аст дар ин сина ки гуфтан натованам,

Гуфтан натованам, нуҳуфтан натованам.

[Сир бор бу синамда, айта олмасман,

Айта олмасман, аммо, айтмай тура олмасман]. – Сўраб нима қиласиз. Шариф чаманнинг гули, тижорат қутисининг дури эдим. Аслим сўрсанг ўзим Боку¹⁶³¹ шаҳрининг катта савдогарлари хонадонидан, кажрафтор фалакнинг ўзгарувчанлиги касофатидан отам билан бирга йўлимиз шу шаҳардан тушиб қолди..., – қизнинг ҳикояси айна шу ерига етганда эшикдан губернатур кириб келди ва ул пари чехра жим бўлиб қолди. Ҳикоясининг бошини эшитганим билан юрагим яраси янгиланди ва кўкрагимда ғам денгизи тошди. Начора, қизнинг бошидан кечирганлари шу зайл менга қоронғу бўлиб қолди. Бироздан сўнг губернатур фақирга кетишим учун рухсат берди ва ул гулбаданни кофир ёнида қолдирганча қўш ташлаб ўтирган уйимиз сари минг бир ҳасратда қайтдим. Ушбу байт тилимдан жорий бўлди:

Дастам намерасад ба гиребони орзу,

Зоғон хўранд меваи шохи баландро.

[Қўлим етмас орзулар ёқасига, нетай,

Баланд шох мевасини қарғалар ер].

Ҳалигача ул пари саргузаштини охиригача эшитмаганим ҳасрати юрагимдан кетмайди ва демишларки:

Як бор рухи нигор дида ҳавас аст,

Дар орзуйи ду бора бисёр кас аст.

[Бир бор ёр юзини кўрмоқ ҳавасдир,

¹⁶³¹ Боку – Озарбойжон пойтахти.

Икки марта кўрмоқ орзуси кўпда бор].

Эртаси куни савдогарлар билан чорбоққа чиқиб, ўтириш ва зиёфат ташкил қилдик.

Каминанинг Ўрус подшоҳи билан мулоқот қилгани ва унинг мен дарвишга марҳаматлар кўрсатгани зикри

Ўша кезларда Ўрус подшосининг сайру тамошо мақсадида бу вилоятга келаётгани хабари тарқалди. Халқ уч кун давомида подшоҳни интизорлик билан кутди. Тўртинчи куни хосу авом хурсандчилик ва кўнгиллари қувончга тўлган ҳолда шаҳардан ташқарига ошиқиб, дала-даштни тўлдириб юборишди. Ўша куниси эркак ва хотин-халаждан йиғилган оломон сони шу даража кўп эдики, ислом аҳлининг бирон-бир ҳайити ёки Наврўзида ёки куфр аҳлининг биронта байрамида бунга ўхшагани кузатилган эмасди. Фақир губернатур қасри олдига келиб кутиб тургандим. Ногоҳ учтаси олтиндан, учтаси эса кумушдан ясалган ва ҳар бирига ўн олтига олтига арава неча бир дабдаба билан келиб қолди. Ўша олти аравадан биттаси ҳеч тўхтовсиз катта бутхона эшиги олдига борди Ана шу аравада подшоҳ борлигини сездим. Ҳақиқатдан ҳам мазкур аравадан подшоҳ битта хос *махрами* билан тушиб келди ва дайрга кириб кетди. Подшоҳнинг чўқиниб, ибодат қилиши икки соатга чўзилди. Шунгача шаҳарнинг бутун аҳолиси мазкур ерга тўпланиб улгурдилар. Подшоҳ ҳам чиқиб, қаср сари юзланди. Шаҳар халқи икки томонда сафга тизилиб, бош кийимларини силкитар эдилар. Подшоҳ ҳам бош кийимини ечиб, қўлида тутганча уларга қарата силкита бошлади. Қаср томон юриб, губернатур ва битта вазир, битта хос *махрами* билан бирга кўшкка чиқди. Яхшилаб тикилиб қарадим: истараси иссиқ, хушрўй ва баланд қад-қоматли, буғдой ранг подшоҳ бўлиб, кўзи ғилайроқ эди. Подшоҳ қасрга чиқди ва чўнтагидан битта дурбин чиқариб, ён-теваракни кузатди. Бироздан сўнг қаср ичига кириб кетди. Томоша учун келган халқ ҳам уй-уйига тарқаб кетишди.

Эртаси куни шу минтақа кўшинининг йиғилиши ва подшоҳга кўриниш бериб, унинг кўлидан улуфа-маош олишлари борасида жар солдилар. Бу хабар шаҳар ҳокимлигига қарашли барча жойларга етиб боргач, эртасига чунонам аскарлар йиғилдики, оёқ кўйишларига жой топилмай қолди. Подшоҳ эса тоғ сағрили тулпор отига миниб, неча бир шон-шавкат билан ташқари чиқди. Шу мавзеда катта, кенг ва теп-текис бир майдан бўлиб, хосу авом барчани шаҳардан ташқарига чиқариб, мазкур майдонга олиб келишганди. Унда отлик кўшинлар бир томонда саф тортиб туришди. Йигирма минггача отлик бор эди. Бир томонда тўпхона билан бирга қирқ минг саллот тизилди. Бир томонда подшоҳ ўзининг амирлари билан саф тортди, яна бир томонда эса шаҳар аҳолиси. Шундан сўнг подшоҳ бир бошдан айланиб, кўшинни назардан кечирди. Сўнг худди урушдаги каби ўқ отиш машқларини бажаришни буюрди. Бу фармонни эшитган заҳоти саллотлар бир нечага бўлиниб, неча хил усулда бир-бирига ёпиша кетдилар. Ўқсиз бўлса-да, ўт очилиб, бутун оламини милтиқ овозлари тутди. Шундан сўнг подшоҳ тўп машқини ўтказишни буюрди. Майдонда юзта тўп бор эди. Чакқон кўл тўпчилар росмана урушдаги сингари бир-бирига қарата тўп отишга киришдилар ва еру-кўкни тўп садолари қоматга келтириб, жаҳон Зулумот олами каби зим-зиё бўлиб, қоп-қоронғулик билан чўлғанди. Подшоҳ қараса, иш катталашиб кетмоқда, дарҳол машқларни тўхтатишга буйруқ берди. Анчадан сўнг олам яна ёруғлашди. Қарасак, булар ўйин машқлари бўлишига қарамасдан, тўққизта одам тўп оташида куйибди, учта киши одам роса кўплигидан оёқ остида қолиб, ҳалок бўлишибди. Шундан сўнг подшоҳ у ердан фаридуний шавкат билан шаҳар томонга қайтиб, қасрга келиб тушди ва шаҳарни уч кун давомида ойнабанд қилиб безаш, уч кеча мобайнида чароғон қилиб ёритиш борасида фармон берди. Бу буйруқ бутун шаҳар бўйлаб ёйилгач, халқ шаҳарни чунонам ойнабанд қилиб безатишдики, олам ойна нурларига ғарқ бўлди. Кечалар кундуз кунгидан ҳам ёруғроқ қилиб ёритилди. Фақир бир кўча-растада катта қандиллардан уч юзтасининг осиб кўйишганини кўрдим. Уларнинг ҳар бирида қанчалаб шамлар ёниб турарди. Қолганини ҳам шундан қиёс қилаверинг. **Мисраъ:** Чароғони фалак муфт тамошост (Фалак ёруғлиги текин томошади)р. Алқисса, айтганимдек, губернатур қасрининг дарё томонга қараган жойидаги тўқайзорда бир таноб бўш ер бўлиб, подшоҳ ўша ерга мадраса пештоқисига ўхшатиб ёғочдан баланд бир иморат монанд уй тиклашни буюрди. Ўша кунисиёқ бир нечта эпчил усталар ишга тушиб, ёғочдан баланд бир тоғ ясадилар. Ичига тахталар билан деразага ўхшаш шаклларни ўрнатдилар. Бир неча аравада ҳар хил рангли шишадан нозик қилиб қуйилган қандилларни келтириб, доно усталар уларни дарахт шаклида ўз ранги бўйича жой-жойига кўйиб ўрнатишди ва ёғоч тоғ ичида бўш ер қолмади. Бу қандилларни энди тоза мой билан ёқишди. Машъала ёруғлиги шишаларга тушиб, ҳар бир шиша ўз рангида товланди. **Мисраъ:** Аз шиша ҳамон барун тароват ки дар уст (Шиша идишдан унда бор тароват чиқади-да]. Узокдан қаралса шиша ва дарахтлардан пайдо бўлган тоғ кўринадди. Олов ичида олов ёнган ва ул олов тоғи акси дарёга тушиб, дарёда ҳам олов тоғи ҳосил бўлмоқда эди. Шаҳарнинг подшоҳ ўтирган томони ва

дарё соҳили томоша учун ёпирилиб келган тўда-тўда эркагу-аёллар билан тўлди. Улар сони икки юз мингдан кўпроқ эди. Ўша тун олам шундай чароғон ва равшан бўлдики, бунақасини ҳали кўз кўриб, кулоқ эшитмаган бўлса керак. Айтишларича, мазкур оқшомги ёритиш ишларига кетган харажатни ҳисоблаб кўришса, ўн икки минг тилло сарфланган экан.

Эртаси оқшомда фақир ўз уйимда мовароуннахрлик бир нечта савдогарлар билан суҳбат курганча гаплашиб ўтиргандим, тўсатдан эшикдан губернатурнинг ўша *махрами* ёнида подшоҳнинг хос *махрами* билан кириб келди. Одоб билан юриб келиб, қўлимни ўпди ва ёнимга ўтирганча «подшоҳ ҳол-аҳволингизни сўратиб юборди ва демокдаларки, Муҳаммадҳақимхон вилоятимизга хуш келибдилар». Фақир кўрққанча эгилиб, жавобида ҳурмат юзасидан таъзим қилдим. Бироздан сўнг эса *махрам* «подшоҳ меҳр-муҳаббат кўрсатиб, Ҳақимхон ҳузуримизга келиб, бирор соатча биз билан суҳбат қуриб кетсинлар демокдалар» деди. Фақир подшоҳнинг бу янглиғ марҳамат қоришиқ сўзларини эшитгач, кўнглимга уни кўрмоқ истаги келди. **Мисраъ:** Нодида туро зи дида дўстар доштамат (Сени кўрмай туриб, кўрганимдан ортиқроқ даражада меҳрим тушди]. Алқисса, фақир қабул бармоғини кўзим устига босиб, *махрам*лар ҳамроҳлигида аравага ўтирдим ва ўша ярим кечада подшоҳ саройига йўл олдим. Қаср яқинига етишгач, аравадан тушиб, кўшк ичи сари юрдим ва бир неча хоналардан ўтиб, подшоҳ ўтирган хонага кирдим. Хона эшигидан кирганим заҳоти подшоҳнинг назари менга тушди ва дарров ўрнидан туриб, бир неча кадам мен томон олдинга босди. Ёнимга келиб, қўлимдан тутганча етаклаб бориб, ўз ёнидан жой берди. Уларнинг қондасича бирор киши келса ўрнидан туриб кутиб оладилар, айниқса, улуғзода бўлса, яна ҳам ана шундай эҳтиром билан иззат кўрсатадилар. Подшоҳ ўрус тилида яхши тилакларни изҳор этганча сўзлашга киришди. Камина ҳам ўрисча тилда тўлақонли жавоблар бердим. Бу вақтга келиб ўрис тилини ҳам яхшигина ўрганиб олгандим, буни кўрган подшоҳ менинг тил билиш қобилиятимдан жуда хурсанд бўлди. Подшоҳ олдида тўрт вазир ўтирганди. Тўққизта хушқомат *махрам* жавоҳирга ғарқ бўлиб, қадларини ғоз тутганча тик туришарди. Даврада Чингизхон авлодидан бўлмиш икки нафар қозоқ хони ҳам ўтиришарди. Лекин улар зеҳнининг ёзув тахтаси билим нақшидан холи ва вужудлари хунар усулидан йироқ бўлиб, суҳбатлашув илмидан бирон нарса ўқимаганлари учун даврадаги гаплардан бошлари қотиб, гаранг ҳолда ўтирар эдилар. Шунингдек, подшоҳ билан суҳбатлари асносида айрим ноўрин ҳаракатлар ва кўпол жавоблар ҳам улардан содир бўлган экан. Подшоҳ шу сабабли уларни масхаралаб, ўз вазирларига кўз қири билан айрим имоларни қилиб ўтирарди. Қозоқ хонлари эса нос чекиш каби ўз ишлари билан овора эдилар. Мажлисда нима гаплар бўлиб ўтаётганидан беҳабар ўтирардилар. Бу ҳолни кузатиб, уларнинг суҳбатидан подшоҳнинг нечукдир кўнгли қолганини сездим. Подшоҳ менга боқиб, нега булар сўзга тушунмайдилар, деди. Фақир дарҳол ушбу **байтни** ўқидим:

Аз фазлу хунар агар бипурси,
Сарпанжа гирифтан аст ва ёнбош.
[Илму хунардан сўрасанг, ишлари
Елка кашламоқу ёнбош олмоқдир].

Подшоҳ, бу форсча байтни ўрисчага таржима қилинг, биз ҳам билиб кўяйлик, деди. Фақир дарҳол ўрисчага таржима қилдим. Бу байт маъносини тушунтирганим ҳамон подшоҳни шундай кулги кўтардики, хохолаб кулишдан ўзини зўрға тутди. Бироздан сўнг қозоқ хонларига кетишлари учун рухсат берди. Мен билан подшоҳ ўртамиздаги суҳбат жуда ҳам қизиқ, авжига минганидан ўша кечаси бошқа ҳеч кимасани ҳузурига таклиф қилмади. Мен билан ҳар тўғрида сўзлашди. Айниқса, Мовароунахр аҳволи борасида кўп сўраб-суриштирди. Саҳарга яқингина каминага кетиш учун ижозат берди. Яна ўша *махрам*лар мени ётоғимга олиб келиб қўйиб, ўзлари қаср сари қайтиб кетишди. Эртаси куни подшоҳ шаҳарни сайру томоша қилиш мақсадида неча бир дабдаба билан ташқари чиқди. Шаҳарни сайр этгач, карвонсарой, лашкаргоҳ, суратхона ва Афлотун сифат табиблар беморларни даволайдиган касалхоналар ҳамда ҳаромзода болалар уйини бориб кўрди. Ҳаромзода болалар уйи деганимиз, бу ерда бир расм бўлиб, унга кўра қаерда ҳаромзода бола туғилса, онаси кечаси келтириб, ўша тарбия уйининг белгили жойига туққан боласини қўйиб кетади, уй мутасаддиси ҳаромзода болани олиб, тарбиялаш учун расмийлаштиради. Ўрусиянинг ҳар бир шаҳрида ноқонуний туғилган болаларни асраб, парваришлаш учун бир неча жойда ана шундай уйлар қурилган. Уларнинг кийим-кечаги ва овқати ҳам подшоҳ таъминоти ҳисобидан берилади. Бундай болаларни ўқитиш учун ўқитувчилар тайин қилинган. Ҳар бир шаҳарда бир неча минг ноқонуний туғилган болалар ана шу тарзда тарбияланиб, улар вояга етиб улғайгач, билимига қараб подшоҳлик ишлари билан машғул бўладилар. Уларни «подшоҳ фарзандлари» деб аташади. Хуллас, подшоҳ сайру томошадан бўшагач, шаҳар қамоқхонаси сари йўналди. Шаҳар халқи йиғилиб, қамоқхона

дарвозаси олдини оломон босганди. Иттифоқан, фақир ҳам ўша томошачилар орасида томоша билан машғул бўлиб, подшоҳ қамоқхона эшиги олдиға келиб, аравасидан тушди. Қамоқхонаға кирмоқчи бўлиб турганида, ногоҳон, кўзи менға тушиб қолди. Дарҳол олдиға чорлаб, қўлимдан ушлаганча қамоқхона томон йўналди. Томоша учун келган одамлар бу воқеани кўриб, подшоҳ бунчалар марҳамат ва илтифотлар кўрсатаётган бу киши ким бўлди тағин, дея ўй денгизига ғарқ бўлдилар.

Байт: Мажнун ба кўху дашту биёбон ғариб нест,

Хар жо ки рафт хайма заду боргоҳ сохт.

[Мажнун тоғу даштда ёлғиз, бегона эмас,

Қайға борса чодир тикиб, сарой курди].

Подшоҳ ва унинг тўрт вазири ҳамда ўн нафар *махрам* ҳаммамиз биргалашиб, бир неча эшиклардан ўтгач, қамоқхона ичига кирдик. Қарасам, катта бир сарой ва хоналари ҳам кенг ва темир панжаралардан ясалган. Хоналарнинг кўпчилиги темирдан. Дев келбатли ва шайтон сифатли посбонлар бу хоналарни кўриқлаб туришарди. Хавоси ёмонлигидан бу жой олдида дўзах оташи ҳеч гап эмасди. Бундай жойни кўриб, ҳушим бошимдан учди ва вужудимни изтироб эгаллади. Танимга титроқ тушиб, шамолдаги тол каби қалтирай бошладим ва кўрқувдан юзимдан челак-челак тер оқа бошлади. Оғир жиноят қилган маҳбусларни гуруҳ-гуруҳ қилиб жойлаштиришган ва бу қийноқ хоналарида уларни турли-туман азобларға дучор қилишарди. Гапнинг қисқаси шуки, подшоҳ хоналарнинг барчасига бир-бир бош суқиб кўриб чиққач, менға юзланиб, Сизнинг вилоятда ҳам шундай маҳбуслар борми, деб сўради. Фақир эсам, йўқ, бўлмайти ҳам, дея жавоб бердим. Бироздан сўнг ташқари чиқдик. Подшоҳ ўз аравасига ўтирди. Менинг эса губернатур аравасига ўтиришимни имо қилиб билдирди. Биргалашиб қасрга кетдик. Подшоҳ манзилиға етгач, зиёфат ўтиришини ташкил қилди. Ўйинчи-ю, кўз бойлоғичлар бу ўтиришда рақс ва кўз бойлаш санъатларини намоёиш қилишди. Уларнинг ўйинлари ҳеч ақлга сиғмасди. Қора магияси ҳам, оқ магияси ҳам бунақасини тушида кўрган эмаслар. Агар буларнинг ҳар бирини китобат қайдига киритмоқчи бўлсак, сўз узокқа чўзилади. Хулласи калом, ўтириш тугагач, подшоҳ каминаға юзланиб: – Муҳаммадҳақимхон, биз билан бирға пойтахт Петербур шахриға боришингиз керак, – деди. Фақир: Подшоҳ соҳиби ихтиёрдирлар, – дея жавоб бердим.

– Илгарироқ таклиф этганимизда нега бормадингиз? – сўради подшоҳ.

– Муҳаммадалихон моданинг қамоғида пайтим «агар шу ҳибсдан эсон-омон қутулсам, то байтуллоҳ зиёратига бормагунимча, ҳеч бир ерга бориш орзусини қилмасмен» дея аҳд қилган эдим. Шунинг учун бирор жойға бора олмайман, -дея жавоб қайтардим.

– Сизларнинг қиблалнгиз жуда узок ва йўллари ҳам хатарли, – деди подшоҳ. Мен эсам қуйидаги **байт**ни ўқидим:

Дар биёбон чун ба шавқи каъба хоҳи зад қадам,

Сарзанишҳо гар кунад хори муғилон ғам махўр.

[Саҳрода каъба шавқи билан қадам ташлангани учун,

Мўғилон тиканларидан озор етса, ғам ема].

Сўнг, бу қасамимға содиқман, агар бир сочим толаси бошимға тиф бўлиб санчилса ҳам бу йўлдан қайтмайман, агар ҳар бир кипригим кўзимға қилич бўлиб санчилса ҳам бошқа ишни устун қўймайман, **Мисраъ:** Хар ки майли ганж дорад ранж мебоед кашид (Кимки ганжға эға бўлмоқчи эса, ранж ҳам тортиши лозим) – дедим. Подшоҳ бу сўзимни эшитгач, ихтиёрингиз, аммо, қайтишда албатта ҳузуримизға келинг, иззат-ҳурмат билан кутиб олиб, вақтингизнинг хуш ўтишиға ҳаракат қиламиз, деди. Мен «жуда яхши, жоним билан» дедим. **Мисраъ:** Агар умр бувад ба хизмат бирасам (Агар умр вафо қилса, ҳузурингизға етишаман].

Подшоҳ битта носдон ва ўзининг олмос узугини уч юз олтин танға билан бирға инъом қилди ва «Ушбу Муҳаммадҳақимхон Ўрусиянинг қайси мамлакатига борса иззат-ҳурмати жойига қўйилсин» деган хат берди. Бу воқеа 1240/1824-25 йили рўй берганди¹⁶³². Подшоҳ эртаси куни ўз давлатининг пойтахти Петербур сари қайтиб кетди.

Фақирнинг неча бир меҳнат ва машаққат билан Аштархон вилоятиға боргани зикри

Бир неча кундан сўнг ул шахардан чиқиб, иккита хизматкорим билан Аштархон томон юзландим. Анча масофани босиб ўтгач, Ҳабиқ қалъаси (?)ға кириб бордим. Бу ер анча катта ва обод бир шахар бўлиб, уч кун давомида шу ерда ҳордиқ чиқардим. Сўнг бу ердан Аштархонгача кирк

¹⁶³² Бу император Александр I – (1777.12.12, Петербург - 1825.19.11, Таганрог) Россия императори (1801-1825). Отаси император Павел I саройдаги фитна оқибатида ўлдирилгач (1801), тахтға ўтиради.

кунда бориладиган барчага маълум йўлни қўйиб, унча таниш бўлмаган йўл билан манзилу мақсад сари равона бўлдим. **Мисраъ:** Роҳ агар ҳамвор бошад шиква аз дури макун (Йўл агар текис бўлса, унинг узоқлигидан шикоят қилма]. Уч кундан сўнг ҳавоси дўзах ҳавоси каби азобли ва фазоси жаҳаннам фазоси сингари укубатли, сувлари томоқ ва ичакдан гўр азобида ўтувчи қумлоқ бир ерга етдим. Дамбадам кўркинчли товушлар димоғимга етиб, бош миям косасини куйдирарди ва дарахтлари захарли илондек қотил, ўт-ўлани илондек захарли эди. Биёбоннинг бу барча кўркинчли ҳолати ва бало қўзғатувчи манзарасини кўргач, ширин жонимдан минг бор умид узиб, ўлимга рози бўлдим. Чор-ночор ул ўт пурковчи биёбонда йўл юришга тушдик ва ўн кундан сўнггина узоқдан бир қора уй қораси кўринди. Шукрлар айтиб, тезликда ўша томон чопдик. Чодирга етишгач, қозок халқига мансуб сумансоч, бинафша бўй, аммо, бели букчайган, қўлида ҳассаси билан чодир соясида чордона қуриб ўтирган бир кампирни кўрдик. Аравадан тушибоқ, салом бердик. Ул кампир мени икки нафар хизматкорим билан бу вазиятда кўриб, ҳайратга тушди ва ҳол-аҳвол сўради. Бошимиздан кечирганларимизни гапириб бердик. Гапимизни эшитган ҳамоно йиғлаб юборди ва «бу биёбондан омон чиқибсизлар, омади кулган кишилар экансиз» деди. Сўнг бизларни яхшилаб меҳмон қилди. Икки кун давомида шу ерда ҳордиқ чиқардик. Кейин кампирга қараб, эй муҳтарам зот, Сиз Масихо нафаслисиз, биз эса ўликлармиз, Сиз Хизрсиз ва йўлини йўқотган бизларни ҳузурингиздан бенасиб юборманг, биз бечораларнинг ҳолимиздан иноят назарингизни дариф тутманг, бизни бу қонхўр биёбондан ободлик соҳилига етказинг, дея ёлвордим. Кампир, эй ўғил, кексалик ожизлиги ва нотавонлик баданим мулкида подшолик қилмоқда, ҳасса ёрдамисиз ҳатто ўрнимдан ҳам қўпа олмайман, шу ҳолда қўлимдан нима ҳам келарди, деди. Фақир эса иложим борича илтимос қилавердим, ниҳоят ул кампирнинг ҳолимизга раҳми келди. Биз эса унга беш тилло бердик. Йўл кўрсатишни зиммасига олди. Эртасига кампирга қўшилиб, ғам даштини босиб ўтиш сари йўналдик. Уч кеча-кундуздан сўнг неча бир меҳнат-азобда Қулзум дарёси¹⁶³³ни эсга солувчи Идил дарёси¹⁶³⁴ бўйига етишдик. Катта бир дарё экан. Қария ўша ердан дуо қилиб, уйи сари орқасига қайтиб кетди. Фақир икки хизматкорим билан дарё қирғоғида илохий лутфни кутганча ўтириб қолдик. Алқисса, бир кеча-кундуздан сўнг дарёда сузиб келаётган катта елканли бир кема кўринди. Қувончимиз ичимизга сиғмай кетди. Соҳилга етишгач, биз худо урганларни кўриб, ҳайратдан донг қотишди. Барчаси ўруслар эди. Олиб кетишларини ёлвориб, ўтинч билан илтимос қилдик. Бошлиғи гапимизга қулоқ осмади. Агар бу жамоадан қолиб кетсак, ҳалок бўлишимиздан бўлак нарса қолмаслигини англадим. Аммо, қанча ёлвормайлик бу динсиз мулҳидлар қабул қилишмасди. Қарасам, аллақачон иш қўлдан кетган. Ниҳоят, ўрус тилида уларга қараб бақирганча «орангизда хат ўқишга тиши ўтадиган бирор одам борми?» дедим. Биттаси, ҳа, шундай одамимиз бор, дея жавоб берди. Унга қараб, қўлимда хатим бор, ақалли бир назар ташла, кейин ихтиёринг, аммо, агар ўқишни истамасанг, унда сенларнинг ҳолингга маймунлар йиғлайди, дедим. Фақирдан бу сўзни эшитишгач, бироздан сўнг бир габр битта қайиқчага миниб қирғоқ сари келди. Камина подшоҳнинг хатини қўлига тутқаздим. Қайтиб кетиб, кемасига борди ва хатни ўқитди, шу заҳоти бир нечтаси келиб, мендан узрлар сўрашди. Дарҳол бизларни отларимиз билан кемага чиқариб, ҳурматлар кўрсатганча кемани юргизишди. Иттифоқан, ўша пайтда Нуҳ *алайҳиссалом* тўфонини ёдга солувчи қаттиқ бир шамол кўзғалди. Буни қарангки, ўша маҳал камина танига бир хасталик ҳам ёпишиб, табиатим табиий ҳолатини йўқотди ва касалим баттар кучайиб, гоҳ хуш, гоҳ беҳуш ётдим. Дарё тошқини ва кеманинг дарёда чайқалиши чунонам кучайдики, агар қадам босгудек бўлсак, бало наҳанги оғзига тушишимиз турган гап эди. Дарё ҳар тўлқинланганда тўфон фавворадек устимизга отиларди. Ҳар қалай кема дарғаси устамонлик қилиб, неча бир дўзах азобида уч кундан сўнг бизни ул талатўп чангалидан қутқариб, қирғоққа олиб чиқди. Шукрлар айтиб, ажал комига ташловчи дарё чангалидан қутулганча ташқарига қадам босдик. Келиб тушган еримиз яхшигина бир шаҳар бўлиб, барча аҳолиси қалмоқлар экан. Бир кун ўша ерда тўхтадик. Эртасига жуда тез ҳаракатланганча манзилу мақсадимиз сари юзландик. Уч кеча-кундуздан сўнг Аштархон шаҳрига кириб бордик. Аштархон жуда азим ва обод бир шаҳар бўлиб, у ерда кўрган иморатларга ўхшашини Ўрусиянинг бошқа ҳеч бир шаҳрида учратмаган эдим. Бу шаҳарда қуйидаги уч хил миллатга мансуб кишилар кўп экан – ислом аҳлидан бўлмиш нўғайлар ҳамда ўруслар, арманлар, гуржистонлик ҳамда эронийлар ҳам талайгина. Аммо, мовароуннаҳрликлар озчиликни ташкил этишарди. Бир нечта олий карвонсаройлари бўлиб, бошқа шаҳарларда бунақаси йўқ. Аштархонга ҳамма вилоятлардан савдогарлар келган ва турли-туман матолар муҳайё эди. Бу ерда бор мева-чева, полиз экинларининг ҳеч бири Ўрусиянинг бошқа бирон

¹⁶³³ Қулзум дарёси – аслида Қизил денгизи соҳилида жойлашган шаҳар. Бу ерда катта денгиз маъносида келмоқда.

¹⁶³⁴ Идил дарёси – Итил, Волга дарёси.

вилоятда етиштирилмайди. Ҳаммаси жуда мазали. Фақир бу вилоятда саккиз ой давомида ҳолсизлик ўриндиғида неча бир хору зорлик билан ётдим. Ўша кезлари саййидлик паноҳи биродарим Мўъминхон *шайхулислом* ҳаж тарафдан анчагина аянчли аҳвол ва алпозда бу шаҳарга келиб, бир неча кун Аштархонда турди, сўнг шу ердан ота ватани томон кетди. Ўша айёмда бу бизга нисбатан қилинган қабих ишлар ва камининг ватандан бадарға қилиниши ташаббускори бўлмиш Юсуф *парвоначи* ҳам эътибордан қолган ҳолда обрўсини бутунлай йўқотганча олдимга келди ва уятсизларча йиғи-сиғи аралаш тавба-тазарруъ қилгандек бўлиб, ҳол-аҳвлимни суриштирди. Мен эсам ҳеч нарсани юзига солмадим, ахир демишлар, **мисраъ**: Марди набувад фитодаро пой задан (Йиқилганни тепмоқ марднинг иши эмас]. *Парвоначи* олдимдан чиқиб, байтуллоҳ сари юзланди.

Шоҳзода Малик Қосим ҳикояси

Ўша пайтларда, юриши доимо эгрилик бўлган фалакнинг гардиши билан Черкас вилояти¹⁶³⁵ хонзодаларидан бири бўлмиш Малик Қосим исмли хушсурат ва сарвқомат бир шоҳзода Ўрус урушида қўлга тушиб, бу шаҳарга сургун қилинган экан. Иттифоқо, мен билан бу шоҳзода ўртасида ошнолик пайдо бўлди. Бир-биримиз билан қалин дўст тутиндик. Бора-бора бу ғарибликда бирор соат ҳам ажралмайдиган бўлиб қолдик. Кунлардан бир кун олдимга келиб:

– Эй, жонажон дўстим, ўта қийин бир муаммоим бор. Шу мушкуллимни ҳал қилсанг дегандим. Бу менинг қутулишим билан боғлиқ бўлиб, ўзимни бу тутқунликдан қутқариш учун эса зўр бир ҳийла ҳам ўйлаб қўйганман. Албатта, яхшилаб ўйлаб кўр, – деб қолди.

– Агар қўлимдан келса, жоним билан бажараман, ҳеч йўқ демайман, – дея жавоб бердим.

– Юз тузилиши менга ўхшаш бир одам номига ўрус маҳкамасидан рухсатнома олиб берсангиз. Балки, шу тадбир билан бу балодан халослик топарман. Сиз эса менинг нажотим сабабчиси, яъни, халоскорим бўласиз. Агар тирик қолсам, қиёматгача мен Сизнинг қулингиз, бандангиз бўламан.

Байт:

Аз инқилоб андеша кун, моро ба чашм кам мабин,
Дар диёри хеш мо ҳам обрўе доштем.

[Қиёматдан кўрқ, бизни кам кўрма,

Ўз диёримизда бизнинг ҳам обрўйимиз бор эди].

Бу сўзларни эшитиб, ўйга толдим. Бироздан сўнг қабул бармоғини кўзимга босиб, жон устига, дея розилик билдирдим. Ўша пайтда касалим ҳам тузала бошлаб, бетоблик балосидан қутулган эдим ва ноилож ҳокимнинг қасри томон йўналдим. Ҳоким билан ўртамизда жуда яқин ошнолик юзага келган эди ва шу туфайли ҳоким мен келаётганимни кўрган заҳоти ўрнидан ирғиб туриб, ўзи ўтирган ердан жой берди. Фақирингиз нима мақсадда келганимни айтишга тутинарканман «битта хизматкоримиз Рум шаҳрига кетмоқчи эди, аммо, ҳозир ўзи жуда бетоб ётибди» дедим ва черкас дўстимнинг шаклу шамойилини бир-бир тасвирлаб, бир рухсатнома беришини, дўстимнинг тезроқ йўлга тушмаса бўлмаслигини, айтдим. Чунки, қоида бўйича, ким учундир сиртдан рухсатнома олмоқчи бўлсангиз, албатта ўша одамнинг қиёфасини тасвирлашингиз лозим, йўқса хат беришмайди. Шу сабабли биродарим шоҳзода Малик Қосим режалаган ҳийлага кўра ҳалиги йўсинда иш тутдим. Ҳоким ҳеч иккиланмай дарҳол хат тайёрлаш борасида қўл остидагиларга топшириқ берди ва хатни бир зумда ҳозирлаб қўлимга тутқазишди. Фақир хатни олиб, қўшимга қайтдим ва рухсатномани биродаримга топширдим. Жонажон дўстим чунонам хурсанд бўлдики, таърифи ёзувга сиғмайди. Бир неча кундан сўнг дўстимнинг кетиш вақти-соати ҳам яқинлашди. Кечаси яширинча уйимга келди. Кетишини билдирди. Бир-биримизни қучоғимизга маҳкам босганча юз-кўзимиздан ўпиб, анча кўз ёши тўқдик ва юракда неча бир доғу ҳасрат билан хайрлашдик. Шунда ушбу **байт** тилимдан жорий бўлди:

Рафти, рафти, худо ниғаҳдори ту бод,

Шамсу қамару ситораҳо ёри ту бод.

[Кетдинг, кетдинг, худо сени асровчи бўлсин,

Қуёш, ой ва юлдузлар мададкоринг бўлсин].

Хуллас, бир неча вақтлардан сўнг келган хабарларга қараганда, ул жонажон дўстим мазкур хавф-хатарли тутқунликдан кўп меҳнат-машаққат билан қутулиб, қайтадан ўзига қарашли барча вилоятларни қўлига киритибди ва яна салтанат тахтига чиқибди. Бу хабарни эшитиб, севинчдан теримга сиғмадим. Шундан сўнг кетма-кет равишда ул жонажон дўстимдан номимга битилган хатлар олдим, у ўз хатларида мени вилоятига чорламоқда эди.

¹⁶³⁵ Черкас вилояти – Қорачой-Черкасия (Шимолий Кавказда) худудлари.

Фақирнинг мақсад сари йўлга тушгани зикри

Қиш совуғи пасайиб, Ҳамал фасли етишгач ва тол-дарахтлар эгнига яшилдан либос кийиб, ўзини ясантирган ва тоғу даштлар ўтлоқзорга айланиб, лола-ю, гул-чечаклар билан қопланган айёмда фақир салтанат уйи Рум¹⁶³⁶ шаҳри томон юзландим. Анча йўл босиб ўтгач, ўн кун деганда Мозандарон¹⁶³⁷ ўрмонига етишдим. У ерга бориб билсам, бу томон йўли бекик экан. Ночор, юраклар сиқилганча ўнг қўл йўлига бурилиб, анча меҳнату машаққатдан сўнг Кубон дарёси¹⁶³⁸ га етишдим. Кубон ниҳоятда катта дарё бўлиб, Ўрусия вилояти билан Черкас вилоятини ажратиб туради. У ердан кофиристон томон юзланиб, дарё ёқалаганча йўл юрдим. Қаерга етишсак, кофир аҳлини кўрардигу, мусулмон зотидан бирортаси кўзга ташланмасди. Катта-катта шаҳарлардан ўтиб борардик. Ўшанда, иттифоқан, қирғоқ бўйлаб юраётиб, йўлимиз фаранг шаҳарларидан бири саналмиш Душинкаска¹⁶³⁹, яъни ўрусчасига «Маъшуқобод» орқали тушиб қолди. Жуда гўзал ва обод шаҳар экан. Иморатларининг барчаси тошдан қурилган. Усталар тошларни жуда теп-текис, силлиқ ва соф қилиб йўнишган бўлиб, бир-бири устига терилган бўлса-да, улар ўта шаффофлиги туфайли одамда худди яхлит бир тошдан тарашлангандек тасаввур туғдирарди. Шаҳарнинг баланд бир қалъаси ҳам бўлиб, зангори осмону фалак билан тиллашарди. Халқининг ҳаммаси фаранги савдогарларидан иборат эди. Улар бу мавзени ниҳоятда яхши бир жой эканлигидан ўзларининг яшаш маскани сифатида танлашган. Дўкон, ҳаммом ва карвонсаройларни кишининг ақли етмай, лол бўлиб қоладиган даражада чиройли қилиб қуришган ва ажойиб безаклар беришган. Гапнинг қисқаси, ўша шаҳар карвонсаройига тушдик. Уч кун ҳордиқ чиқардик. Тўртинчи куни шаҳарни бир айланиб келай деб, карвонсаройдан ташқари чиқдим ва шаҳар кўча ва расталарини томоша қилиб юрарканман, йўлим подшоҳлик маҳкамаҳонаси томон тушиб қолди. Шунда рухсатномамга қўл қўйдиришим лозимлиги эсимга келиб, ана шу ўй билан подшоҳлик девонига кирдим. Қарасам, бир нечта хушсурат ёшлар дафтарларга нималарнидир ёзиб ўтиришибди. Уларнинг каттакони кумуш курсида оёғини чалиштириб ўтирганча қўл остидагиларга буйруқ бермоқда. Ул габрнинг кўзи менга тушган ҳамоно «кимсан, қаерликсан» деб сўради. Фақир ҳеч нарса демай, хатимни кўлига тутқаздим-да «қўл қўй» дедим. Кўзи хатга тушгач, ўтга тушган исириқ каби сапчиб ўрнидан турди ва ўта одоб билан келиб, кўлимни ўпди. Узрлар сўраб, ўз ўрнига ўтқазди ва «таърифингизни бундан олдин эшитган эдим, аммо, Рум томонга қайси тарафдан ўтишингизни билмасдим. Бу вилоят ҳокими ҳисобланмиш вазир жанобини албатта кўришингиз лозим» деди. Фақир эса «кўпам бошимни оғритмай, хатимга қўл қўй» дедим. Кўп илтимос қилиб, ўтинди, аммо, гапини тингламадим. Ноилож хатимга қўл қўйди ва фақирни то маҳкамаҳона ташқарисигача кузатиб қолди.

Каминанинг вазирнинг фаранглик қизи сабабли унинг қамоғига тушгани зикри

Алқисса, фақир маҳкамадан чиқиб, карвонсарой сари юзландим. Карвонсаройга етишим билан иккита ой юзлик ёш йигит ҳам келиб қолишди. Биттаси жуда одоб билан олдимга келиб, кўлимни ўпди ва қаддини ғоз қилганча «биродарингиз вазир жаноблари Сизни ўз ҳузурига чорламоқдалар, мабодо, ташриф буюрмасалар, ўзим бораман, демокдалар « деди. Унинг гапини эшитиб, ўй-хаёл гирдобига ботдим. Анча фикр ва мулоҳаза юритгач, мажбур ҳолатда ўша икки йигитга қўшилиб, кумуш аравага ўтирганча вазир қароргоҳи томон юзландим. Саройга етишгач, жуда мухташам бир иморатга кўзим тушди. Икки томонида солдатлардан иборат қўшин аҳли саф тортган. Аждаҳо гавдали тўплар сарой дарвозасининг икки томонида териб қўйилган. Хоналар катта-катта ва ҳаммаси нақшланган, тилло суви югуртирилган. Бир неча текширув жойи ва хоналардан ўтиб, вазир ўтирган хонага яқинлашдим. Фақирнинг келганидан хабар топиб, хонаси эшиги олдида кутиб олди. Кўзим вазирга тушиши билан, айтганларидек, **мисраъ:** Ба чашм гарм меояд ба як жо дидаам ўро (Кўзимга иссиқ босилмоқда, бир жойда кўрганга ўхшайман уни]. Дарров эсимга тушди – бу ўша куни подшоҳ ёнида турган тўрт вазирдан биттаси. Биз у билан суҳбатлашган ҳам эдик. Ёнидаги киши эса шу вилоят ҳокимлигига тайинланган амалдор бўлиб, у ҳам ўта тавозеъ билан кўлимдан ушлаганча, хол-аҳвол сўрашди ва хурсандчилик изҳор қилди. Ҳарамга, яъни вазирнинг хонасига кирдим. Хона жуда

¹⁶³⁶ Рум вилояти Туркия худудлари назарда тутилмоқда.

¹⁶³⁷ Мозандарон – Эрон вилоятларидан бири.

¹⁶³⁸ Кубан дарёси демокчи.

¹⁶³⁹ Душинкаска/Душенская – кишлоқ номи.

чиройли бўлиб, ҳаммаёғига фарангий ойналар ўрнатилган, очиқ қолган жойига олтин суви ва асл ложувард билан одам ақли лол қоладиган қилиб сайқал берилган. Вазирнинг ўнг томонида йигирма нафар ой юзли анбар сочли канизлар тилло тақинчоқларга ғарқ бўлиб, саф тортишган. Чап томонда эса йигирма нафар хушсурат, пари пайкар йигитлар саф тортганча эгниларига тилло дўзи либослар кийган, белларига тилло қинли қиличлар таққан кўйи хизматга шай туришарди. Хона тўрида ажойиб кийимларга бурканган кексароқ бир аёл олтин курсида ва унинг олдида эса тунда чарақлаб турган ўн тўрт кунлик ойдек минг бир зебу зийнатлар билан дуру гавҳарлар денгизига ғарқ бўлган ва оламни яшнатувчи қуёш мисоли ён томонга суянган кўйи бир қиз ўтирарди. Унинг сочлари занжири қора мушк сингари икки ҳафталик ойга ўралган, икки қоши жасмин гулининг қалпоғидаги икки анбар соябон каби ғамза ипи ва карашма нигоҳи ила ошиқларни овларди, жаҳонни ёритувчи қуёшдек товланувчи зулфи чарх қалъасининг ферузасини илгакка илинтарарди. Кўз ҳаракатларидан англашимча, бу бебок кофир ҳали қиз болалигига қарамай, макрнинг минг бир денгизида фаввора отар, уятсизлик усулида устозлик байроғини ҳилпиратар ва васваса мактабида иблисга айёрлик ҳикматидан дарс бера оларди. У шу кўйи нозу истиғно билан ўтирар экан вазир билан заррин курсиларда ором олганча ҳар тўғрида суҳбатлашаётган пайтимиз гоҳида ул пари чехра қиз томонга ўғринча кўз қиримни ташлаб кўярдим. Ул танноз ҳам фақирнинг нигоҳини неча бир усталик билан кўрқмас ҳаракатлар воситасида илиб оларди. Билдимки, унинг мендан кутгани бошқача ва агар бу шаҳарда яшашда давом этсам, бу фарангий қиз албатта бошимга бир балони ёғдириши аниқ. Фарангий деганим шундаки бу қизнинг отаси, яъни мени чақиртирган вазиримиз аслида Фаранг мамлакатидан келган эди. Доно ва билимдон бўлгани учун унга Ўрусия давлатида вазирлик мансабини беришган. Гапнинг қисқаси, бирор соатдан сўнг вазирдан сафаримни давом эттириш учун рухсат сўрадим. Вазир «ҳозиргина хабар олдик, Рум султони қўшинидаги ҳарбийлар ёппасига исён кўтаришибди. Бунинг сабабини била олмадик. Шу жиҳатдан ҳозир барча йўллар беркилган эмиш. Бир неча кун сабр қилишингизга тўғри келади. Йўллар очилсин. Сўнгина у тарафларга юзлансангиз ёмон бўлмайди» деди ва дарҳол фақирнинг нарсаларини карвонсаройдан олиб келиш учун одам юборди. Қанча илтимос қилиб, кўяверинг, шу яшаб турган ерим яхши, десам ҳам гапимга кулоқ осмади. Ул пари чехра эса кулганча отасига қараб «ҳамиша Ҳакимхон ҳақида гапириб, уни подшоҳ хузурида кўрдим ва орамизда қалин дўстлик пайдо бўлди, дердингиз. Мана энди ўз оёғи билан шаҳрингизга келган экан, унинг бошқа жойда туришига бепарво қарасангиз, бу улуғлик нишонаси эмас» дея, ул кофир динли золим қиз келишим борасида вазирдан ҳам бир неча бор кўпроқ даражада оёқ тираб олди. Натижада, анча тортишувдан сўнг ҳоли-жонимга кўймай, нарсаларим билан икки хизматкоримни карвонсаройдан кўчириб келтиришди ва бизни вазирнинг ёнидаги энг яхши хоналардан бирига жойлаштиришди. Фақир чор-ночор бир неча кун шу ерда турдим. Ҳар кун вазир олдида ул пари юзлик ҳам қатнашган кўйи бир неча бор суҳбатлар бўлиб ўтди. Қиз рамзу ишора ва киноя ва кўзу қош ишораси орқали мен билан имоли бир тарзда кўнглидаги гапини англатарди. Фақир эса буни ўзимга олмасликка ҳаракат қилиб, билмаганга солардим. Бир куни вазирнинг хонасида суҳбат қурилиб, ул парипайкар ҳам ўша хонада ой баданли канизлар билан ўтирарди. Ўтирганлар одатдаги каби май ичишга киришиб, менга ҳам ичишни таклиф қилишди. Аммо, қанчалик ўтиниб сўрашмасин, бу нарсадан йироқ эканимни айтиб, қабул қилмадим. Иттифоқан, вазир бир иш билан ташқари чиқиб кетди. Хона рақибдан холи қолди. Шунда мен ҳам ташқарига чиқмоқчи бўлдим. Бироқ, ул шарқ қуёши жуда чаққонлик билан осмонга бўй чўзган сарвдек ўрнидан сакраб турди ва йўлимни тўсганча кўлимни ушлаб, **мисраъ:** Гарчи ту таркам куни тарки ту натавон гирифт (Гарчи сен мени тарк этмоқчи эсанг-да, мен сендан айрилмасмен]. Қачонгача ўзингни билиб, билмасликка оласан. Имо-ишора билан иш битмади. Бизнинг ҳолимизга ҳам бир назар ташланг! – деди. Бундай очиқдан-очиқ сўзларни ул фаранг қизидан эшитгач, кўрқувдан тол каби титрадим. Илтижо билан йиғламсираб: – Эй нозанинлар бошлиғи, мени кўйиб юбор. Мен саргаштанинг қонимга зомин бўлма. Бу гапни вазир билиб қолса, минг жонимдан бир жонимни омон кўймайди. Қолаверса, уйингда меҳмон номи билан туриб, нону тузингни емоқдаман. Сен каби паризоддан бу янглиғ ҳаракат ярашиқсиздир, – дедим. Қиз эса нозлана-нозлана: – Бу савдо ишидан кўлимни сира ҳам тортмаймен. Бу йўлда мингта жоним бўлса ҳам то сени кўлга киритмагунича тикавераман, – деди. Шу аснода ул гулбаданнинг кўзи узугимга тушиб қолди ва «подшоҳ берган узук шуми?» деб сўради. Мен эсам, ҳа, дедим. Чаққонлик билан кўлимдан ечиб олиб, ўзининг кўлига тақди. Кўлидаги ёкут кўзли ва меникидан бир неча баробар яхшироқ бўлган узугини эса менинг кўлимга кийгизди. Сўнг кўлимни кўйвориб, жойига бориб ўтирди. Ўша вақтда ташқаридан вазир қайтиб келиб, кайфу сафосини давом эттиришга киришди. Камина уларнинг бу зиёфатидан қутулиб, ўзим турган хонага келдим ва бу ердан тез кетиш чорасини ахтара бошладим. Қарасам, биродарим шоҳзода Малик Қосимдан хат келибди. У билан бизнинг орамизни бор-йўғи битта дарё ажратиб тургани учун бир

хизматкоримга сафар анжомларимизни кўтартириб, дарёдан ўтказганча ул амирлик паноҳи олдига жўнатдим. Ўзим ҳам кетидан йўлга тушиш тайёргарлигини кўра бошладим. Чунки, ул паричехра билан қасрдаги ўша кунги сўхбатимиздан вазир канизларидан бири воқиф бўлган эди, у бу сирни вазирга етказганча «бу бандангиз қизиқ бир воқеа ва суҳбат устидан чиқиб қолдим, аммо, уни айтишга журъатим етмаяпти» дебди. Вазир эса «кўрқма, айт» дебди. Каниз: – Малика Ҳакимхонга ошиқ бўлиб қолибди. Бир-бири билан баъзи бир ишларга аҳду паймон қилишган. Шундай обрўли оилада бу каби гулнинг очилиши исноддан ўзга нарса келтирмайди. Йиллар давомида ҳам уни ҳеч бир дору ва малҳам билан тузатиб бўлмайди, – дебди. Вазир бу сўзни эшитиб, ўтга тушган соч толасидек жизғанақ бўлибди, бироқ ҳеч нарса демабди. Жим ўтираверибди. Ва бу гапдан ул гуландом қиз хабар топиб, қаттиқ ўйга толибди. Айрилиқ оташида илондек тўлғониб чиқибди. Эртаси куни хайрлашиш учун вазир олдига бордим ва вазир билан бирга гаплашиб ўтирдик. Суҳбат чоғи вазирнинг негадир менга нисбатан муносабати ўзгарганини сездим. Бироздан сўнг ул қамар сиймо неча бир нозу таманно билан маст товусдек саллона-салона кириб келди ва ўз курсисига ўтирди. Аммо, у жуда кайфияти тушган ва ғамли кўринишда эди. Алқисса, фақир вазир билан хайрлашдим ва хурсандчилик билан хонамизга келдим. Вазир эсдалик учун фақирга иккита фарангий тўппонча, тўрт шиша олий навли атир тақдим қилди. Ўтирган уйимиздан карвонсаройга келиб, бир нечта савдогарлар биргалашиб, тонг отиши билан Ҳанифа қалъаси сари юзланамиз, деган қарорга келдик. Шу келишув бўйича фақир тағин манзилимга қайтиб келиб, сафар тайёргарлигига оид юмушларга киришдим. Аммо, ўшанда бу ҳар лаҳза одам рўё оламида ҳам кўрмайдиган яна янги бир ўйинни бошловчи кажрафтор фалак режасидан ҳеч хабардор эмасдим. **Мисраъ:** Ихтиёр ўлсайди роҳат ихтиёр этмасмудим. Хулласи калом, ўша оқшомиси жуда хушчақчақлик билан суҳбат қуриб ўтирардик. Тун ярмидан ошиб, уйқуга кетдик. Биз фалакзадалар бошига бостириб келган биринчи бало лашқари шу уйқу қўшини бўлди. Ўшанда олдин қандайдир товуш эшитилди, сўнг эшик тақиллади. Фақирнинг хизматкори шу маҳалда келиб, эшик ураётган кишининг кимлигини сўради. Келувчи: – Танишларингиз. Бу ерга бизни бир хат билан вазир жўнатди. Уни Муҳаммадҳакимхоннинг қўлига топширишим керак, – деди. Мен эсам: – Яхшиси эртага келинглар, – дедим. Аммо, ҳалиги одам жуда ўтина бошлади. Соддадил хизматкорим эса ул айёрнинг сўзига ишониб, эшикни очди. Қарасам, ул раъно юзли гўзал, ўзига неча бир безак ва оро берганча ёнида биттаси кофурий шамъ, иккинчиси бир шиша май ушлаган иккита ой юзли канизак, жуда чаққонлик билан чакмоқдек ўзини хона ичкарасига урди ва хона эшигини маҳкам беркитди. Бу ҳолни кўриб, ўтакам ёрилди ва жонимдан бутунлай умидимни уздим. Ул раъно шу даража аммора нафс¹⁶⁴⁰ га гирифтор бўлган эдики, кўзларидан шаҳват фаввораси отилиб турарди. Тез ҳаракат билан қўлини елкамга ташлади ва сўнг «ҳозир қуруқ сафсата сотишининг вақти эмас, ишга ўтиш пайти» деди. Фақир: **мисраъ:** 3-ин фикр дар гузар ки ба жое намерасад (Бу фикрингдан кеч, натижа бермайди), – деди. Шу янглиғ сўзлар билан ҳаддан ташқари илтижо қилаверганим сайин ул гўзал ҳам бўлмағур таклифини мандан неча чандон кўпроқ даражага етказарди. Фақир исирикқа ўхшаб андух оташдонида ватан тутганча, бу ишларга ҳайрон қолиб дедим, **байт:**

Тўмори ғарибон сабаби зикри жамил аст,
 Жоно, магар ин қоида дар шаҳри шумо нест?
 [Мусофирга ёрдам этмоқ яхши дуо олиш учундир,
 Эй жонон, бундай қоида сизнинг шаҳарда йўқми?)

Шу пайт тез-тез юриб, хонамизга вазир кириб келди. Чунки, бошидаёқ ҳарам канизлари қизнинг кўнглига туккан ниятини вазирга етказишган, аммо, вазир ишонмаган экан. Шунга кўра, хотинлар ул раънонинг изидан тушиб, қулай фурсатни пойлай бошлашибди ва ул суман сочли гўзал ётоғимга кирган заҳоти бундан воқиф бўлиб, вазирни огоҳлантиришибди. Ҳозир эса вазир кириб келгунча қиз билан орамизда бўлиб ўтган можаро тафсилотини сўзлаб берай. Алқисса, хангома қизиб турган маҳал ул фарангий қиз ўз ҳусну жамолининг ошуфтаси бўлганча ўзига бино қўяркан шунинг мағрурлиги орқасида ширакайф ҳолатда бор ҳаёсини ҳам йўқотиб беихтиёр ушбуларни деди: – Эй олий мартабали қаландар бачча! Гарчи густохлик саналиб, одобга ҳам тўғри келмаса-да, бир оз муддат сайёҳлик ғурури ва жаҳон кезиш дағдағасини бир чеккага суриб қўйиб, инсоф сарриштасини қўлдан чиқармай ва хушомадсизлик билан тўғриси айтчи, азал наққоши башар зотидан ҳеч бир пари пайкарни мен гулчехраники сингари ҳусну жамол билан борлиқ корхонасида тақдир қалами билан тасвир ижодининг сафҳасига чизганини ҳеч кўрган ёки эшитганмисан? **Байт:**

Қодир кудрат ду тоқи абрўямро каж кашид,

¹⁶⁴⁰ Нафси амора – шахвоний нафс.

Ё зи ҳайрат дасти ў лағзид ё мистар надошт.

[Қудрат эгаси қошимнинг икки тоқини эгри чизмиш,

Бунда унинг ё ҳайратдан қўли қалтираган ё мистари бўлмаган].

Унинг гапини эшитган ҳамоно шундай жавоб қайтардим: – Эй фарангий қиз! Ўзингни ҳусну жамолда башарият силсилсининг бошқа ҳалқаларидан сарви озод каби сарафроз билмоқдасан ва барча жаҳон яхшиларидан ўзингни афзал санамоқдасан, аммо, билмайсанки, илоҳий корхона ободлигида фақат бир вужуд бўлмайди ва яратилиш боғи тўхтаб турмайди. Бу гумбаз остида қанчалар гулшанлар бўлгани ва ҳар бир гулшанда бир-биридан яхши минглаб анвойи ранг ва ҳидли гуллар очилади. Агар мени ўзингга ўхшаш ўшалардан бири олдиға ўтқазсанг Саҳо юлдузи¹⁶⁴¹ каби бошқа қуёш ёнида ўзингни кўрмасанг ва рангу ҳидда қадри бўлмайди. **Байт:**

Ту мағуй ки дар ин даҳр шукуфтам танҳо,

Бас ки дар зери фалак мисли ту чандин гулҳост.

[Бу дунёда битта очилган гул менман дема,

Фалак остида сенга ўхшаш кўп гуллар бор].

Бу янглиғ гапларимни эшитган фарангий қизнинг рашк ҳиссиёти кўпирди, уят гирдобига ғарк бўлди, пешонасини хижолат тери босиб, ҳайрат денгизига чўмди. Алқисса, ана шу айтишувлар бўлиб турган маҳалда ҳар хил ўйинлар кўргузувчи фалак ўзининг кўк пардаси ортидан ҳар соатда бир ишни бошларкан, хонамнинг эшигини қаттиқ-қаттиқ тақиллата бошлашди. Шу заҳотиёқ бир балога гирифтор бўлганимни сездим. Эшикни очиб қарасам, қўлида яланғочланган қилич ушлаганча вазир турибди. У тўрт *махрами* билан ниҳоятда ғазабланган ҳолатда хонага кирди. Қараса, канизлар айна ҳақиқатни айтишган экан. Қизни чопқилаб ташламоқчи бўлди, аммо, айёр қиз «қўлингизни туширинг, менинг гапимга ҳам қулоқ солинг» деди. Қизнинг сўзини эшитган заҳоти вазир ўзини ушлаб турди. Қиз эса бийрон тили билан қуйидагиларни гапира кетди: – Хайрлашганингизга қарамай, яна Ҳакимхон ёнига кетиб, зиёфат қилиб ўтирганингизни эшитиб қолгандим. Ана шу ўй билан хонага келсам, Сиз бу ерда йўқ экансиз. Қайтиб чиқмоқчи бўлдим. Аммо, Ҳакимхон жуда эпчиллик билан хипча белимдан ушлаб, мени қаттиқ қучоқлаб олди ва гулистонимдан мурод гулини термоқчи бўлди. Айна шу аснода, хайриятки, Сиз етиб келдингиз. **Мисраъ:** Пеши жононаи мо пунба ва пундона якест (Жононамиз наздида пахта ҳам, чигит ҳам бир хил); Қиз бу сўзларни отасига айтгач, вазир фақирга қараб: – Худодан кўркмайсанми, менинг меҳмоним бўлатуриб, бундай хиёнатга қандай қўл урдинг? Модомики шундай бўлган экан энди ўзингдан кўр – қўлларимни қонинг билан ювамани! – деди. Бундай можаронинг ул шайтанат денгизи оёғи остидан чиққанини кўриб, ҳайрат бармоғини тишлаганча ўй-фикр ғарқобига чўмдим. Сўнг вазирга қараб «ҳа, бировнинг уйига борган киши албатта ноҳақ ва гунаҳкор бўлиб чиқади» дедим. Ул аблаҳлик майдонининг чавандози, яъни вазир «подшоҳга бўлиб ўтган воқеани ёзиб юбораман, подшоҳ нима деса, ўша бўлади» қабалидаги таҳдид сўзларини айтди-да, фақирни иккита *махрами* қўлига топшириб «Ҳакимхонни зудлик билан турмага олиб боринг» деди. Яхшиям ўшанда хизматкоримга форсчалаб «карвонсаройга бор, ўша хужрада бўлиб тур, парвардигор бошимизга не кунлар солиши маълум эмас» деган эканман. Абдуллоҳ исмли бу бечора хизматкорим айтган еримга бориб, менга нима бўлганидан беҳабар ва яна нималар рўй беришини билмасдан кутиб ўтирибди.

Алқисса, икки *махрам* олдиға тушганча қоп-қоронғу тунда неча бир хорлик ва зорлик билан шаҳардан ташқари чиқиб, қамоқхонага етишдик. Бир неча эшиклар орқали ўтиб, дўзахнинг ҳам ўтақаси ёриладиган кўрқинчли мавзегга етиб келдик. Шу ерда ҳаммаёғи темир панжаралардан ясалган бир хонага киргизишди. Жуда тор ва кафтига тўшалган майда-майда шағал тошдан бўлак ҳеч жиҳози йўқ хона эди. *Маҳрам*лар мени дев сифат, шайтон кўринишли посбонларга топширишди, улар эса фақирни ҳалиги хона ичига итариб юбориб, эшигини қулфлашди ва қулфи тешигига эриган кўрғошин ҳам қуйиб «ҳеч кимса бу шахс билан гаплашмасин» дея тайинлашди. Гапнинг қисқаси, мени олиб келган *махрам*лар шул дўзахда ўзимни ёлғиз қолдирганча шаҳарга қайтиб кетишди. **Байт:**

Тўтийи хушсухану боғи биҳиштам жо буд,

Дона ночида ба доми қафаси сайёдам.

[Мазали сўз тўти ҳамхонам, беҳишт боғи масканим эди,

Донин емасдан овчининг тузоқ қафасига тушдим бугун].

Иттифоқан, ўша кезларда ўрусларнинг катта байрами етиб келган эди. Фақир уч кеча-ю, кундуз ўша хонада нималарни бошимдан кечирган бўлсам кечирдим. Албатта, ҳар кун бир киши дераза ташқарисидан туриб, бир дона қора нон ва бир коса буғдой бўтқасини келтириб, дераза тешигидан қўлини чўзиб қўлимга берганча қайтиб кетарди. Аммо, сира сўзламасди ва мен ҳам уни кўра олмас

¹⁶⁴¹ Саҳо юлдузи – Катта айиқ юлдузлар туркумидаги Митсар яқинидаги энг кичик Алкор юлдузи.

эдим. Ўша пайтда чўнтагимда эллик тилло бижоқий пул бор эди. Биринчи куни ҳалиги нотаниш одамнинг косасига бир тилло ташлаб қайтардим. Иккинчи куни икки тилло ташладим, учинчи куни уч тилло ташладим, тўртинчи куни косасига тўрт тилло ташлаб қўйдим. Ниҳоят, ул киши секин-аста тилга кирди ва «Сиз қандай одамсиз, қаерликсиз ва не қилиб, бу балога йўлиқдингиз» деб сўради. Мен эсам: – Эй азиз, меҳрибон дўст. Нимасини сўрайсиз. Кўриб турганингдек, бир яхши, лекин овора ва сарсон одамман. Ҳолимга раҳм эт, – дедим. Нотаниш киши эса: – Жуда бир нотавон одамман. Кўриб турганингдек, ушбу қамоқхонада маҳбуслар хизмати учун тайинланганман. Бу сени тикишган жойдан одам зоти қутулиб чиқа олмайди. Аммо, мана уч кундан бери сенинг инъому эҳсонингга сазовор бўлиб турибман ва қандай юмушинг бўлса, марҳамат, айтавер. Қўлимдан келса хизматимни сира дариф тутмайман, – деди. Мен унга: – Бир хат бераман, олиб бориб бир кишига топширасан, – дедим. Нотаниш ғамхўрим: – Жоним билан, – дея жавоб қайтарди.

– Унда менга бир парча қоғоз ва қалам келтириб берсанг, – дедим мен.

– Бу иш қўлимдан келмайди. Агар хат бўлса олиб бориб бераман. Бўлмаса, бошқа ишни эплай олмайман, – деди у ва ташқарига чиқиб кетди.

Фақир эса қаттиқ ўйга толдим. Анча ўйлангач, тилло ўраган бир парча қоғозим борлиги эсимга тушди. Ўшани олдим ва бир фарангий пичоқчам бўлиб, у билан бармоғимни тилиб, қонини чиқардим. Ўша қонли пичоқча учи воситасида неча бир меҳнат билан ҳалиги қоғозга бўлиб ўтган воқеани бир неча сатр орқали биродарим шоҳзода Малик Қосим номига битдим ва унда куфр аҳлининг байрами яқин бўлиб, шу сабабли ўн кундан сўнг бир кеча кундуз турма бўш қолишини ҳам баён қилдим. Мазкур қоғознинг бир парчасига хизматкорим учун хат ёздим. Хатни тугатиб, не азобда бир байт ҳам илова қилдим. Эртасига ҳалиги кофир бечора ҳар кунги одатига кўра келди. Мен ҳам одатга кўра беш тилло ва ёзган хатимни косага ташлаб, унга узатдим. Сўнг: – Карвонсаройга бор. Фалон хужрада мана бу шаклдаги киши бор. Бу хатни ўша одам қўлига бер ва ўзинг тез орқанга кайт, – дедим. Ул бечора неча бир кўрқув ва ҳадик билан бу балохонадан косани ташқарига олиб чиқишга эришибди. Эртасига келиб, қуйидагиларни билдирди: – Хатни эсон-омон олиб бориб, эгасига топширдим. Одамингиз жуда хурсанд бўлди ва севинганидан у ҳам менга беш тилло бериб «бориб, менинг йўлга тушганимни айт» деди.

Фақир неча бир қийинчиликда илоҳий лутфдан умидвор бўлиб, мазкур байрамни интиқлик билан кутдим.

Алқисса, хизматкоримга хатим етишган заҳоти ҳеч тўхтовсиз Черкас томон юзланиб, дарёдан кечиб ўтибди ва жуда тез юрганча бир кеча-кундуз деганда биродарим шоҳзода Малик Қосим ҳузурига етиб борибди. Хатни ул биродарга топширибди. Биродаримнинг кўзи хатга тушгач, йиғлабди ва вақтни ўтказмай, ён-атрофга одам юбориб, бир кунда теварагига йигирма нафар қасоскор жангчини йиғибди. Уларга кўпгина нарсалар инъом қилиб, яна анча нарсаларни ваъда берибди. Сўнг фақирни қутқариш учун уларга рухсат ва фотиҳа берибди. Ул мубориз йигитлар биродарим шоҳзода Малик Қосим ҳузуридан топшириқ билан чиққач, зудлик билан дарё қирғоғига келишибди. Иккита кема топиб, ваъдалашганимиз учинчи кечаси тунни ярмидан ўтказгач, ул муборизлар елдек дарёдан сузиб ўтиб, кемаларни ўтган ерда қолдирганча қиличларини белларига ўнгу тескари боғлашибди ва ўта эпчиллик ва чаққонлик билан қамоқхона сари юришибди. Қамоқхона дарвозасига етишгач, қаровулликда турган тўртта посбонни жаҳаннамга равона қилишибди ва калитларни олиб, қамоқхона эшикларини бир-бир очганча мен ўтирган хонага етиб келишди. Ўша вақтда фақир неча бир ғаму ғуссада ишларни осон қилувчи, бандаларини сийловчи даргоҳидан ўзимнинг қутулиб кетишимни тилаб, шу тун келишни интизорлик билан кутиб ўтирган эдим ва ҳар дамда ушбу рубоийни ўқирдим. **Рубоий:**

Аллоҳ, туро азиз медораму бас,
Бо иззати он ки нест монанди ту кас.
Аллоҳ, дар ин воқеа дастам гири,
Аллоҳ, ҳамин замон ба фарёдам рас.
[Аллоҳим сени азиз билурмен, бас,
Ҳеч ким қудратингга тенг келмас.
Аллоҳим, бу воқеада қўлимдан тут,
Аллоҳим, шу онда фарёдимни эшит].

Фақирнинг илоҳий лутф воситасида ул тубанлик гирдобидан нажот топгани

Бирдан машъал шўъласи ул зулматхонани кундуз куни каби чароғон қилиб ёритиб юборди. Кимлардир черкасий тилда қаттиқ товуш ва баланд овоз билан бир нималар дейишар, уларнинг ўз тилида айтаётган гапларини бирон нарсани англаб ва тушуниб бўлмасди. Яхшилаб диққат қилсам, менинг исмимни тилга олишаяпти. Дарҳол қичқирганча жавоб бердим. Улар менинг қаерда ўтирганимни билиб, хона эшигини не бир қийинчилик ва азобда пўлат болталар билан бўлак-бўлак қилиб синдирганча ичкари киришди. Фақирнинг қўлини ўпиб, алланималар дейишди. Камина уларнинг бирон сўзини ҳам тушунмадим. Ниҳоят, жуда чакқонлик билан ул шайтонхонадан ташқари чиқдим. Халоскорларим турмадаги бошқа уч юз маҳбусни ҳам озод қилганча ташқарига олиб чиқишди. Қутулган маҳбусларнинг ҳар бири бир тарафга қараб қочишди. Бироздан сўнг шаҳарни қўриқловчи қаровуллар ҳамда шаҳар аҳли бу воқеадан хабар топиб, байрамларини бузганча қўлларида машъаллар билан тинимсиз айтилаётган «тут-ушла» бақириқлари остида камокхона томон югуриб кетишди. Фақир бу воқеани кўриб, муборизлар ҳамроҳлигида тез-тез юрганча келиб кемага чиқиб олдик. Ўша чоқда дарё қирғоғи қаровуллари ҳам бизнинг ишимиздан хабар топиб, устимизга ўқ ёмғирини ёғдира бошлашди. Хуллас, муборизлар билан яшиндек дарёдан кечиб ўтдик ва қутулганим шукронаси учун икки ракъат шукр намозини адо этдим. Айни чоғда дарё қирғоғининг ҳаммаёғини чунонам машъал босиб кетган эдики, гўё, юқорида айтганимдек, подшоҳ иштирокида ёритилган Ўринбург кечаси бу ерда ҳам қайта такрорланган эди. Алқисса, фақир ул ғарқоб қаъридан жонимни эсон-омон қутултирдим. Кофирлар овлари тузоқдан қутулиб чиққанини кўргач, неча бир ғаму андуҳ билан шаҳар томон қайтиб кетишди. Фақир ўша ерда бир лаҳза дам олдим. Сўнг отланиб, аста-секин юрганча уч кун деганда биродарим шоҳзода Малик Қосим қароргоҳи жойлашган ерга яқинлашдик. Ул биродар бу хабарни эшитиб, кутиб олгани олдимга чиқди. Кўзимиз бир-биримизга тушгач, йиғлашганча кучоқлашиб кўришдик. Икки соатча гапиришга ҳеч мажолим бўлмади. Сўнг суҳбатлашган кўйи биродарим ҳамроҳлигида унинг уйига келиб тушдик. Бир неча кун давомида камок азоблари ва йўл чарчоқларидан қутулиб, дам олдим. Биродарим дўстлик йўсинини керагидан ҳам ортиқ қилиб адо этди. Фақирингизга бир каниз ва бир ғулом ҳамда учта энг сара от тортиқ қилди. Бир ойдан сўнг ул жонажон дўстдан кетишга рухсат тилаб, ўзимнинг ўша Абдуллоҳ ва Иброҳим исмли хизматкорларим билан бирга Ҳанифа қалъаси сари юзландим ва дўстим билан хайрлашдим.

Анча масофани босиб ўтгач, Ҳанифа шаҳри¹⁶⁴²га кириб бордик. Ҳанифа шаҳри турклар «Қора денгиз» деб атайдиган Шўр денгиз соҳилида жойлашган бўлиб, бу ер мазкур денгизнинг энг катта бандаргоҳи ҳисобланади. Катта бир тижорат маскани ва ҳар мамлаатдан жуда кўп савдогарлар келишади. Бир неча кундан сўнг у ернинг ҳокими Абдуллоҳ подшоҳ фақир ҳақида эшитиб, ўз ҳузурига чақиртирди. Жуда яхши қабул қилиб, эъзоз-икромлар кўрсатди. Шу орада Синоб¹⁶⁴³ ҳокими Хожа Ҳасан подшоҳ ҳам бу шаҳарга ташриф буюрди. Ул зот икки марта амири ҳож бўлганлар. У ҳам фақирни олдига чорлатди. Ҳузурига бордим. Қарасам, олий бир чодирда ўтирган экан. Икки томонида *махрам*лар саф тортиб туришибди. Анча кексайган киши экан. Кўзи менга тушгач, ўрнидан турди ва қўлимдан ушлаб, ўз ёнига ўтқазди. Оталарча ғамхўрликлар кўрсатди ва иккаламиз жуда тез бир-биримиз билан тил топишиб, яхши улфат бўлиб олдик. Фақир ул зотдан дор ас-салтана Румга боришим учун «тазкира» хати¹⁶⁴⁴ ёзиб беришларини сўрадим. Ул марҳаматли қария эса: – Афандим, ҳозир Истанбулдаги вазият анча қалтис, у тарафлардан ҳалигача биронта ҳам кема келмади. Фақат Синобдан кема қатнаб турибди. Султон Маҳмуд¹⁶⁴⁵ афандим, яъни, Рум султони Янги черик жамоаси ва бектошийлардан ғазабланиб, бир кунда улардан етмиш минг кишини қатлга етказибди¹⁶⁴⁶. Айни

¹⁶⁴² Ҳанифа шаҳри – тахминан Анапа бандар шаҳри.

¹⁶⁴³ Синоб/Синоп – Шимолий Туркия, Инжебурун бурунида жойлашган шаҳар.

¹⁶⁴⁴ Ҳаж мавсумида давлат рухсати билан иштирок этиш рухсатномаси.

¹⁶⁴⁵ Султон Маҳмуд – турк султони (1808-1839).

¹⁶⁴⁶ Янги черик ва бектошийлар қўзғалони – бектошиа Туркияда тарқалган тасаввуф тариқати. Кичик Осиёда XIII аср охири - XIVасрнинг бошида маҳаллий турк кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси орасида пайдо бўлган. Тариқатнинг номи Ҳожи Бектош Румийдан бошланади. Бу тариқатининг ҳақиқий асосчиси ваъзхон ва қаландар Ҳожи Бектош Вали Нишопури Хуросоний (1208-1270) ҳисобланади. Унинг силсиласи эса, туркистонлик шайх Аҳмад Яссавийга, ундан эса, шиа имоми Мусо ал-Козимга тақалади. Бектошийлар аъзолари шиалардек ҳазрати Али ва ўн икки имомга, айниқса, олтинчи имом Жаъфар ас-Содиққа эътиқод қиладилар. Ҳожи Бектош Кичик Осиёда тез шуҳрат қозонган. Бу тариқат кўпроқ қишлоқ аҳолиси орасида қўллаб-қувватланган. Вақти келиб бектошиа кенг тармоқ ёйган ташкилотга айланган, ўзининг белгиси ва маҳсус кийимига эга бўлган. Бектошиа тариқатининг қатъий уюшган жамоага айланишида «Улуғ пир» Балим Султоннинг (ваф.1516) таъсири катта. Илмий адабиётда уни «Иккинчи пир» («Пири соний») деб аташади. Балим Султон ўзини Ҳожи Бектош Румийнинг авлоди, деб эълон қилган ва тариқат тузилишига алоқадор бир қатор ислохотларни амалга оширган. Бектошиа айни Балим Султон замонида кенг тарқалиб, яничарлар (Туркиядаги имтиёзли пиёда аскарлар) орасида ёйилган, улар орқали давлат ишларига ўз таъсирини кучайтирган. 1826 й.да Султон Маҳмуд (1808-1839) ўн битта яничарлар корпусини тугатгач, бектошиа фаолияти тақиқланди. Унинг йирик раҳнамолари қатл этилди. Бектошиа тарафдорлари эса, Болқонга ва Албанияга тарқалиб кетди. Ҳақимхонга етказган хабар шу воқеалар жараёнидан иборатдир.

пайтда Румга боришдан яхшилик чиқмайди. Афандим бир неча кун сабр қилсинлар, яқин орада йўл ҳам очилиб қолар. Кейин борсалар яхши бўлажак, – деди. Аммо, менинг байтуллоҳга бориш иштиёқим жуда зўр бўлиб, шу ондаёқ Истанбул сайри баҳридан ўта қолдим. **Байт:**

Жамоли каъба маро давонида ба нишот,
Ки хорҳойи муғилон ҳарир меояд.
[Каъба жамоли мени қувонч билан югуртирдик,
Муғилон даштининг тиканлари ҳам пардек туюлди].

Шу сабабли Синоб йўли учун тазкира, яъни «йўлланма» олдим ва қария билан хайрлашдим. Ул улуг амирлик паноҳи эса дарҳол кема дарғасини чақиртирди ва фақирингизни унинг қўлига тайинлаб топширгачгина хузуридан чиқишимга рухсат берди.

Фақирнинг Шўр денгиз сафарини ихтиёр этгани зикри

Эртаси куни «Ғуроб»¹⁶⁴⁷ деб аташадиган катта кемага кирдим. Уч ошиёналик жуда катта бир кема бўлиб, ичида ўн иккита тўп ва минг нафарга яқин киши бор эди. Эртасига елканларни ўрнатиб, неча бир дабдаба ила «лоҳавла» деганча Шўр денгиз сари юзландик. Шўр денгиз деганимизнинг на туби, на чегараси бор эди. Нақл қилишларича, Рум султонларидан бири денгизнинг тубини билиш учун тагига арқон ташлатибди. Лангарни тақиб, арқонни ташлашса, бир минг беш юз газ узунликдаги ип тугабди-ю, лекин лангар денгиз тубига етиб бормабди. Алқисса, бир кеча-кундуздан сўнг осмон ва сувдан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолди. Тонг билан қуёш ҳам сувдан чиқиб, яна сувга ботар эди. Ўн кечаву кундуз шу зайл йўл босдик. Кема жуда тез юрар бўлиб, бор кучимиз билан олдинга тош отсак, тагин кема ичига тушарди. Бир куни кемачилар қувончга тўлиб, одамлардан «суюнчи» дея бир танга, икки танга йиғишга тушдилар. Фақир бунинг сабабини суриштирсам, қуруқликка яқинлашган эканмиз. Аммо, қанчалик тикилиб қарамай, сув ва осмондан бўлак нарса кўринмас эди. Дурбин билан ҳам қарадим, барибир, ҳеч нарсани кўра олмадим. Ниҳоят, битта маллоҳдан «қуруқликка яқинлашганимизнинг белгиси нима ўзи» дея сўрадим. У эса «ана уларга қаранг» деди. У кўрсатган томонга қарасам, тепамизда иккита ўрдак учиб юрибди. Шундан сўнг маллоҳ «қуруқлик нишонаси мана шу» деди. Ичимда «мошоаллоҳ» деб қўйдим. Лекин, тагин уч кун денгиз узра суздик. Тўртинчи куниси маллоҳлар яна суюнчи беришимизни сўрай бошлашди. Фақир дурбинни олиб, яхшилаб қарадим ва узоқдан олмага ўхшаш бир нарса кўзимга кўринди. Ёнимдагилар «ана ўша тоғ бўлади» дейишди. Шунда кўнглимдан, агар шу қора кўрдим нарса тоғ бўлса, қуруқликка ўн кундан сўнг етишсак кераков, деган хаёл кечди. Аммо, бу қоралик тобора катталаша борди. Икки соат ичидаёқ унинг тоғ экани аниқ-тиниқ ойдинлашди. Бироз ўтмай, вилоят дарахтлари кўринди. Шунда кеманинг қанчалик тез юрар эканини тўла англаб етдим. Денгиз соҳилига етишгач, кичик қайиқчалар ёрдамида кемадан шаҳарга чиқдик. Жуда бир азим, латофатли ва ниҳоятда обод шаҳар экан. Турли-туман мевачеваларга кон, ҳар бир манзилда олий фавворалар отилиб турган. Шаҳар четида битта тоғ бўлиб, жуда баланд ва унда «Ҳазрати имом» номи билан машҳур бир мазор бор. Бу мазор жуда сафоли бир ерда жойлашган. Унинг бир томонида Шўр денгиз, иккинчи томонида шаҳар. Менимча ер юзида бу каби мавзеъ бўлмаса керак. Бу вилоят Онадул¹⁶⁴⁸ мамлакатининг биринчи бошланиш ноҳияси саналади. У шариф Шомга бориб уланади. Ўша маҳалда камина жуда хасталанган бўлиб, ўн кун шу жаннат монанд манзилда денгиз сафари азобидан қутулиб, дам олдим. Сўнг иккита елдек юрар хачирни кира қилиб, жаннатга менгзир Шом мамлақати сари юзландик. Алқисса, йўл юриб, шайтонга сиғинувчи жамоа ўтирган бир ерга етишдик. Улар шайтонни «Маликут-товус» дейишаркан. Бу халқ орасидаги расм бўйича тупуриш мумкин эмас, агар, бирор одам билмасдан тупургудек бўлса, уни дарҳол ўлдиришади. Ўзлари эса тупугини оғзидан доимо рўмолча билан олиб юришга одатланишган. Ишқилиб, бу жамоа орасидан минг бир азобда қутулиб чиқиб, курдлар жамоаси орасига келиб қолдик. Фақир уч ерда ўғриларга дуч келдим. Неча бир хийла ва тадбир билан улар дастидан халос бўлдим. Агар бу ва бошқа кўрганларимни бир-бир баён этсам, сўз риштаси узоққа чўзилади, шу орада бир нечта шаҳардан ўтганимиз учун улардан қай бирининг қиссасини гапирсам, бу эзмалигимдан эшитувчи кўнглига малол келиши турган гап. Бинобарин, ушбу битта қисқароғи билан чекландим. Марсимон вилоятига кириб борсак, бу ёғидан нарига юрадиган йўлимиз тўсилган экан. Ҳеч бир кимса Маъдан шаҳри томон юрмас экан. Чунки, ҳаромзода қароқчилар қайта-қайта йўлни

¹⁶⁴⁷ Ғуробнинг луғавий маъноси катта кема дегани.

¹⁶⁴⁸ Онадул – Анатолия. Туркия вилоятларининг бири.

тўсиб, бир нечта савдогарни ўлдириб, молларини талашибди. Шунга кўра биз ўнта қаландар ғам-ғуссага ботганча, мазкур вилоятда тўхтаб туришга мажбур бўлдик.

Иттифоқан, Рум султони ўзининг Хуршид подшоҳ исмли надим кишисини Маъдан вилоятига ҳоким қилиб юборгани ва унинг шаҳарга етиб келаётгани хабари эшитилди. Бу хушxabар бутун шаҳар бўйлаб ёйилди. Барча хосу авом халқ бирдек хурсанд бўлишди. Ўша айёмда ҳар бири ҳусну-жамолда оламни ёритувчи қуёш билан сирдош тўрт юз арман аёллари шу шаҳарда тўпланиб, ўзларининг муқаддас савмаъси зиёрати учун отланишган экан. Улар орасида бор-йўғи ўнта эркак киши бор экан. Кези келганда айтиб ўтай, арман ва гуржистон аёллари гўзалликда жаҳонда ягона ҳисобланадилар. Эртаси куни улар билан биргаликда биз қаландарлар ҳам мақсад сари юзландик. Икки фарсахга яқин йўл юрилгач, армани аёллар бир дарёча қирғоғига тушиб, қаҳва ичиш билан машғул бўлишди. Биз қаландарлар эсақ уларнинг бошқа бир нечта ой юзли санамлари билан йўлга равона бўлдик. Йўл бўйи ул пари чехралар билан ҳар тўғрида сўзлашиб кетдик. Тахминан бир тош масофа йўл ҳам юрган эдик, тўсатдан, йўлимизда пистирма куриб ўтирган қирқта шафқатсиз ва бошдан-оёқ қуролланган қароқчиларга дуч келдик. Бу кутилмаган бало-офатдан воқиф бўлгач, барчамиз ширин жонларимиздан бутунлай умид узиб, ўлдириб, талашларини кута бошладик. Турган еримиз тоғлик жой бўлиб, йўли тепадан дарё бўйига қараб тушарди. Тахминан дарё четига уч юз кадам масофа бўлиб, шу ердан ўтсак яна тор йўл билан тоққа кўтарилардик. Агар бир милтиқ отувчи мерган бўлса, юз минг киши ҳам уни тутиши қийин иш эди. Бу қароқчилар ана шу кенг жойни ўзларининг пистирмасига айлантирган эдилар. Бизнинг эса қай чора ва тадбир билан бу ҳалокат ёқасидан қутулиб кетишни ўйлаб бошимиз қотарди. Шунда қароқчилардан биттаси олдимизга келиб «сизлар кимсизлар ва қаердан келаяпсиз, орқангиздан кўтарилаётган чанг тўзони ниманики» дея сўради. Калласи ишламаган йўлдошлар воқеани борича айтмоқчи бўлишди, мен эсам буни сезиб, жуда чакқонлик билан «бузуқлик келтирувчи ростдан кўра фойда келтирувчи ёлғон сўз яхшироқ» деган мақолга амал қилиб, шундай жавоб бердим: – Биз Хуршид подшоҳнинг фаррошларимиз, ҳоким тушадиган манзилни тезроқ бориб, супуриб-сидириш мақсадида хожайиндан олдинроқ йўлга тушиб кетаяпмиз. Кўтарилиб кўринаётган чанг тўзони эса Маъдан шахрининг ана шу янги ҳокимига тегишли бўлиб, Румдан подшоҳлик дабдабаси билан келмоқдалар. Мана ҳозир шу ергача етишибдилар.

Қароқчилар мендан бу сўзларни эшитганлари ҳам шу бўлди, сўнг ура солиб қочишга тушганлари ҳам шу бўлди. Ахир улар бу чангнинг насоро аёллар отларига тегишли эканини қаердан ҳам билишсин.

Алқисса, бизлар жуда тез ҳаракатланиб, бу ердан ўтганча чакқонлик билан ўзимизни тоққа урдик ва ул қаттиқ балодан арзон-гаров қутулиб, шукрлар айтганча ва кулишиб йўл юришда давом этдик. Йўлдошлар ва ул сарвқад арманлардан бир қанчаси фақирингиз ўйлаб топган жавобга таҳсинлар айтганча, анчагача мошоолоҳ, дея олқишлашди. Алқисса, анча йўлни босиб ўтгач, манзилимизга етишиб, дам олдик. Ахир айтмишлар, **мисраъ**: Агар афсонаҳо хоб оварад, ман қиссаҳо дорам (Агар афсонанг иши уйку келтирмоқ эрса, менинг қиссаларим бордир].

Гапнинг қаймоғини айтай десам, ўша жаҳонгашталиқ давомида йўлим Турпок/Гарбак қалъаси мавзеси устидан тушди. Амир Темур соҳибқирон доврүкли ўтмиш айёмида Рум султони Боязид Йилдирим¹⁶⁴⁹ билан шу қалъада урушган бўлиб, ҳозир у жуда хароб ҳолга келиб қолган. Бир кун ўша ерда нафас ростладик. У ердан эса Қайсария¹⁶⁵⁰ вилоятига кириб бордик. Қайсария катта ва обод бир шаҳар экан. Бу шаҳарни ҳам ортда қолдириб, мақсад сари юзландик ва анча йўлларни босиб, яна бир нечта катта шаҳарлардан ўтдик. Неча бир меҳнату машаққат билан Лотакия¹⁶⁵¹ шаҳрига етишдик. У жуда кенг ва ниҳоятда обод шаҳар бўлиб, авлиёлар султони, тақводорлар паноҳи жаноби султон Иброҳим Адҳам¹⁶⁵² нинг қабри шу ерда жойлашган. Ул ҳақиқат арбобларининг қибласи остонасини ўпишга мушарраф бўлгач, ўта бир кўнгли шодлик билан ул даргоҳ тупроғини кўзимга тутиё қилиб суртдим ва уч кун шу муқаддас ерда эътикоф-зуҳду тоат расми билан ўтирдим. У ердан ўтиб, Дамашк¹⁶⁵³ сари юзландим. Бир қанча йўл юриб, Қадифа деб аталадиган бир қишлоққа етишдим. Мазкур Юсуф *парвоначи* аянчли бир аҳволда хору зорлик билан шу қишлоқда бу тубан дунё билан

¹⁶⁴⁹ Боязид Йилдирим – Боязид I Йилдирим (1359-1403) усмонлилар сулоласита мансуб Туркия султони (1389-1402). Амир Темур уни мағлуб этган (1402).

¹⁶⁵⁰ Қайсария – ҳозир ҳам Туркияда вилоят маркази.

¹⁶⁵¹ Лотакия – Лозакия, Суриянинг Ўрта ер денгизидаги шаҳри.

¹⁶⁵² Иброҳими Адҳам – суфий пирларидан, отаси Балх томонлардан бўлган Бойлик ва ҳукуматдан воз кечиб, зуҳд, тақво ва художуйликни касб қилган.

¹⁶⁵³ Дамашк – ҳозир Сурия давлатининг пойтахти.

видолашиб, охират сари юзланган. Такдир унга жаннатга менгзар Шомгача етиб боришга фурсат бермаган. Ниҳоят, ул манзилдан қўзғалиб, Шом мамлакатининг Дамашқ шаҳрига кириб бордик.

Каминанинг жаннатга менгзар Шомга етиб боргани ва бир неча кундан сўнг Миср ўлкасининг Қоҳира¹⁶⁵⁴ шаҳрига юзлангани зикри

Гапнинг қисқаси шуки, Дамашқ шаҳрига киргач, унинг катталиги, ободлиги ва чексиз гўзаллигини кўриб, ақлу хушимдан айрилаёздим. Унинг бу жиҳатлари сира таърифга муҳтож эмасди.

Байт:

Шаҳр чу беҳишт аз некўйи,
Чун боғи Эрам ба тоза рўйи.
[Шаҳар чиройи билан жаннат эрур,
Тоза юзлиги билан Эрам боғидир].

Нақл қилишларича, жаноб ҳазрат хайрул башар ҳазрат Хадичаи Кубродан мол олиб, тижорат учун Шом сари юзланганлар. Бир нача масофаларни босиб ўтиб, шаҳарга бир фарсахлик масофа яқин жойда қўш ташлаганлар. Шунда жаноб ҳазрат кибриёи таоло топшириғи билан Жабройил *алайҳиссалом* эниб, ҳазрат пайғамбаримиз *алайҳис саловату васаллам* суҳбатига етишибди ва ул фаришта: – Худойинг саломлар айтмоқда ва сўнг буюрадиким, дўстим Муҳаммадга айт, ўзи «умматимсиз жаннатга кадам босмайман» деган эди. Чунки, бу келган жойи ери жаннатдир, яъни, агар жаннатни тепада яратган бўлсам, Шом мамлакати устида яратганман. Ер юзида яратган бўлсам, Шом ери остида яратганман. Агар уни муаллақ қилиб яратган эсам, Шом қалъаси деворида муаллақ қилиб яратганман. Не сабабдин у шаҳарга келди экан? – дебди. Одам ото авлодларининг энг аълоси ҳазрат рабб ал-оламийн бу хабарини эшитгач, гап нимадалигини англаб, зудлик билан мунаввара Мадина шаҳри сари қайтиб кетганлар. Ҳозир пайғамбар қўниб ўтган ўша Шом яқинидаги жой зиёратгоҳдир ва «Қадам ан-наби» номи билан аталади. Онҳазрат *алайҳиссалом*нинг босган излари ўрни ҳалигача сақланган. Тўғри, қилни қирқ ёрувчи сўзамоллардан агар биронтаси «у пайтда ҳали пайғамбарга ваҳий тушмаган эди-ку? Бу сўзлар нима асосида айтиляпти?» деб сўраса, жавоб шундай бўладиким: Бу солиҳа рўёидир. Чунки, пайғамбар *алайҳиссалом* буюрадиларки, «мўминнинг рўёи туши набийликнинг қирқ олти жузвидан биридир». Эндиликда жаннатга менгзар Шом шарофатидан буларга исбот ҳожат эмас. Бу борадаги мутоалани эшитувчининг ўзига ҳавола этамиз.

Хуллас, мақсад шуки, бир куни Яҳё наби *алайҳиссалом* жомеъ масжидида бир нечта сайёҳлар билан суҳбат қуриб ўтирган эдик. Ўша чоғда камина беихтиёр кулиб юбордим. Суҳбатдошлардан бири мулло Худойберди исмли жуда бир кекса киши бўлиб, бу қария Шохмуродбий¹⁶⁵⁵ валинеъмат замонасида Самарқанднинг ўн тўртинчи қутби¹⁶⁵⁶ мақбараси устидаги тилло қуббани¹⁶⁵⁷ ўғирлаб олиб кетган шахс эди ва у ўша шаҳарда яна бир неча йиллар яшаган ҳам эди. Ана ўша киши кулганим сабабини сўради. Мен қуйидагича жавоб бердим: – Баъзи одамларга қойил қолмайман, қандай одамлар бор-а, шундай ажойиб вилоятга келишади-ю, яна қайтиб Мовароуннаҳр тарафга қайтиб кетишади. Ахир демишлар, **байт:**

Шаҳри мо шаҳри бутон аст, чи зебо шаҳр аст,
Ҳеч оқил ба жаҳон тарки чунин жо накунад.
[Шаҳримиз санамлар шаҳридир, не гўзал шаҳар,
Ақлли одам жаҳонда бундай жойни тарк этмайди].

Менинг жавобимдан сўнг ул қария ҳам ўзича кулган бўлди. Мен ҳам «Сизнинг кулишингиз сабаби недур?» деб сўрадим. Чол гапим жавобиди: – Бу вилоятга келган ҳар бир киши шу сўзларни айтади. Аммо, нону насиба тортиши ва Тангри таоло такдир этиши деган нарсаларга қандай қарайсиз? Булар ҳам бор-ку! Иншоаллоҳ тирик бўлсам, Сизни ҳам кўраман ҳали, – деди. Фақир дедим: – Бандаси қўлига ҳам кичик такдирлар берилган, Сиз бу сўзларни бекор айтаяпсиз, – дедим. Ул бечора жим бўлиб қолди.

¹⁶⁵⁴ Қоҳира – бугунги кунда Миср давлатининг пойтахти.

¹⁶⁵⁵ Амир Шохмурод (1785-1800) Бухорода амирлигидан олдин бир муддат Самарқанд шаҳрида ҳоким бўлган.

¹⁶⁵⁶ “Қутби чаҳордахум” (ўн тўртинчи қутб) унвони билан улуғланган Шайх Нуриддин Басир (ваф. 1242 й. қабри Самарқанднинг Чокардиза қабристониди, Новадон ариғи бўйида жойлашган.) кўзда тутилмоқда. Шайх Зайниддин бобо Куйи Орифонийнинг шогирди.

¹⁶⁵⁷ “Тарихи Муллозода” муаллифи маълумотида қараганда бу олтиндан ясалган қубба Амир Темур томонидан ўрнатилган.

Ўша айёмда Ҳалаб¹⁶⁵⁸ шаҳри аҳолисидан Моҳир афанди исмли бир турк ўғлони мен билан йўлдош бўлиб, иккаламиз жуда иноқлашиб қолдик. У ҳусну жамолда тенгсиз ва ҳали мўйлови сабза урмаган ўспирин эди. Ғарибликда шундай йўлдош билан яхшигина дўст тутинганим қалбимни қувончга тўлдириб, севинчим ичимга сиғмасди. Тезда бир-биримиз билан улфату рафиқ чиқиб, бодомнинг икки мағзидек бир тан, бир жон бўлиб қолдик.

Фақирнинг жаннатга менгзар Шомдан чиқиб, Қоҳира мисри томон кетганим зикри

Ниҳоят, ўн беш кундан сўнг мазкур ой юзлик йўлдошим билан ул беназир шаҳардан кўч-кўлонимизни йиғиштириб, Қоҳира мисри (шаҳри) томон юзландик ва олий бир миҳофа кира қилиб, ўша манзилу мақсад сари равона бўлдик. Бир неча масофа йўл юргач, «Яқуб алайҳиссалом кечуви» деган мавзегга кириб бордик. Жуда бир яхши мавзе бўлиб, лекин, одамсиз экан. Тоғ оралиғидан катта бир дарё оқиб келиб, Табария¹⁶⁵⁹ кўлига қуйилади. «Ажойиб ал-махлуқот»¹⁶⁶⁰ ва «Сайр ал-билод»¹⁶⁶¹ китоби муаллифлари ўз асарларида дунё ажойиботларидан бири сифатида шу ерни кўрсатиб, унинг Шом томони совуқ, Миср томони иссиқ деб ёзишган. Дарҳақиқат, фақир яхшилаб кузатсам, китоб муаллифлари тўғри айтишган экан. Эртаси куни ул манзилдан кўчиб, яна йўл босишга тушдик. Иттифоқан, йўлимиз акалари томонидан Юсуф алайҳиссалом ташланган қудуқ устидан тўғри келиб, ўша манзилга тушдик. Бу ерда пишган ғиштдан карвонсарой қурган эканлар. Фақир ўз қўлим билан арқон ташлаб, мазкур қудуқнинг чуқурлигини ўлчаб кўрдим – етти газ экан. Ҳозир сардобага ўхшаш ҳолат касб этганча турибди. Билмадим, вақт ўтиши ва замон ўзгаришлари билан шу даражага етганми, ё тарихчи муаллифлар ҳаддан ошириб таърифлашганми.

Алқисса, эртаси куни у ердан ҳам кўзғалиб, Канъон¹⁶⁶² ва Табария шаҳарлари оралиғида қўш ташладик. Ҳозир Канъон харобага айланган, Табария эса обод жой бўлиб, ниҳоятда латофатли. Шу ерда, румликлар тили билан айтганда, «Чашмаи қудрат» номли етгита чашма бўлиб, доимо, қўл тиксангиз пишириш даражасидаги иссиқ ҳолатда оқади. Катта бир қўл ҳам бор. Айланаси тахминан ўн икки фарсах ва атрофи бутун тоғдан иборат. Суви тиниқ ва майин, мазали. Айтганимиз катта дарё Одам ото замонидан шу бугунгча мазкур денгиз мисол қўлда тўпланар ва тоғдан оққан барча сувлар ҳам шу қўлга қуйилар экан. Сувининг чиқиб кетиш жойи эса маълум эмас. Шунга қарамай, қизиғи шундаки, сув сатҳи қишин-ёзин на бир бармоқ камаяди ва на кўпаяди. Бунда не ҳикмат борлигини ҳеч ким билмайди.

Гапнинг лўндаси, у ердан чиқиб, уч манзилдан сўнг Ғаза¹⁶⁶³ шаҳрига кириб бордик. Ғаза жуда бир обод ва фаровон шаҳар. Мева-чеванинг ҳар хил тури мавжуд. Хусусан ҳеч бир иқлимда йўқ анори бор. Унинг олдида Жалолобод¹⁶⁶⁴ ва Шаҳрисабз анорлари бир чеккада қолиб кетади. Бир қора фулусга бешта катта-катта анор беради. Эртаси куни ул хуррам ва обод мавзедан кўчиб, мақсад сари юзландик. Ўн кеча-кундуз одам юрса оёғи, куш учса қаноти куядиган саҳро-биебонда йўл юрдик. Қумдан бошқа нарсани кўрмасдик. Ўнинчи куни ул чексиз саҳродан қутулиб, Шамоил¹⁶⁶⁵ шаҳрига яқин мавзегга етишдик ва карвон аҳлидан баримиз егулик жиҳатидан роса қийинчилик тортганимиз сабабли, дўстим Моҳир афандини хизматкорларим билан шаҳар ташқарисида қўйганча ўзим бир сайёҳ ва яманлик бир жаҳонгашта ҳамроҳлигида жуда шошилиш суратда шаҳар ичкарасига ошиқдим.

Фақирнинг уятсиз хотинлар қўлига тушгани ва неча бир ҳийла билан қутулгани

Алқисса, шаҳар Чорсусига етишиб, кўрсак, жуда бир обод жой бўлиб, икки тарафи бўйлаб яхши иморатли ва шином дўқонлар билан орасталик топган. Ҳар ерда арабий пари чехра, нозанин гўзал аёллар тўп-тўп ўтириб, ўз айшу ишрати ва истироҳати билан машғуллик қилишмоқда. Фақир бу ҳолни кўриб, ҳайрат бармоғини тишладим. Бу ҳақда йўлдошимдан сўрадим. У эса «нима, ҳали,

¹⁶⁵⁸ Ҳалаб – Алеппо (қад. номи Беройя). Суриянинг шимол-ғарбий қисмидаги шаҳар. Ҳалаб мухофазаси (вилояти)нинг маъмурий маркази.

¹⁶⁵⁹ Табария/Тиберия – ҳозир Исроил давлатининг шимолий худудларидаги Тиберия шаҳри, Тибериада қўлининг ғарбий соҳилида.

¹⁶⁶⁰ XV асрнинг охирида ёзилган «Ажойиб ал-махлуқот» асарининг муаллифи номаълум. В.В. Бартольд уни Аҳмад Тусийга нисбат беради.

¹⁶⁶¹ «Сайр ал-билод» асарининг муаллифи номаълум.

¹⁶⁶² Қанъон/Ханаан – ҳозир Исроил давлати таркибидаги шаҳар.

¹⁶⁶³ Ғаза/Ғазо – бу шаҳарнинг бир қисми Исроил бир қисми Фаластин давлати таркибида.

¹⁶⁶⁴ Ўз анорлари билан шўҳрат қазонган Фарғона водийсидаги Жалолобод шаҳри.

¹⁶⁶⁵ Шамоил шаҳри – Мисрдаги Исмоилия шаҳри, Шарқия мухофазасида. Сувайш каналининг ўнг тамонида жойлашган.

мисрлик фоҳишалар ҳақида ҳеч нарса эшитмаган эдингизми, бу кўраётганларингиз ўшалар» деди. Бу сўзни ул биродардан эшитиб, жим бўлиб қолдим. Ўша аснода ул гўзаллар орасидан бир паризод ўрнидан турди, кетидан барча қолгани ҳам ирғиб кўпишди. Ҳалиги паризоднинг икки ёнига икки ой юзли каниз кириб, зинадан тушди ва дарий каклиги каби саллона-саллона одим ташлаганча раста томон юзланди. Ҳусну жамоли ниҳоятда гўзал бир жонона эди. Ўзини зару зевар билан ясатганди. Билишимча, бу аёл шу жамоанинг каттаси эди. Бизларга яқинлашгач, жуда эпчиллик ва чаққонлик билан қўлини бўйнимга ташлаб, маҳкам қучоқлаб олди. Камина ўта ғазабланган оҳангда ул шарму ҳаёсиз аёлни бир уриб, ерга ағанатмоқчи бўлдим. Жонажон йўлдошим «жим тур, жонингга бало бўлади» деди. Ҳамроҳимнинг овозини эшитгач, ўзимни зўрға тийдим. Ул раъно эса арабий тилда бир нималар дер эди. Мен эсам ҳеч нарса тушунмасдим, аммо, ҳалиги йўлдошим арабчага жуда уста эди. Менга қараб: – Булар фоҳишалар жамоасидир, ҳар ойда подшоҳ хазинасига солиқ тўлаб туришади. Ҳозирги кунда Қоҳира шаҳрида ўн икки минг нафар рўйхатдан ўтган фоҳиша бор. Бу вилоятда булардан зўрроқ бирон киши йўқ. Сизнинг дўқ-пўписаларингиз буларга ўтмайди. То бирон ҳийла ўйлаб топиб, шунинг ёрдамида бу жамоадан қутулмасангиз, бу раъно дастидан халос бўлишнинг ҳеч иложи йўқ. Мана ҳозир Сизни қаттиқ ушлаб туриб, уйига ташриф буюришингизни сўрамоқда, – деди. Фақир йўлдошимдан бу гапни эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Сўнг ул рафиқимдан ўтиниб «ўзингиз худо ҳаққи учун бирон йўл билан мени бу бало гирдобидан қутқармасангиз, дўстим ўлди, деяверинг» деб ёлвордим. Айни пайтда устимга ўша уч юз нафар уятсиз фоҳишаларнинг ҳаммаси ёпирилиб келаётган эди-да. Ул меҳрибон йўлдошим ўша маҳал мазкур паризодга арабий тилда анча сўзлар айтди. Ул танноз менга юзланиб, бир нарсалар деди. Нималар деяётганини тушунмасдим. Аммо, дўстим ишора қилиб ўргатаётгани бўйича ризолик бошини қимирлатдим. Бироздан сўнг аёл фақирнинг қўлини қўйворди ва кетишимга изн берди. Камина ул бебок қўлидан қутулиб чиққач, шукрлар айтганча жуда тез-тез юриб, карвонимиз тўхтаган ерга олиб борувчи йўлга қараб чопдим. Йўлда ҳалиги биродаримдан «қандай қилиб мени ул гуноҳ ботқоғидан қутқардингиз» деб сўрадим.

– Ул раънога, ўзи бу сайёҳ бола мени шу иш учун олиб келувди, аммо, ҳозир бу йигитнинг ёнида бир фулус ҳам пул йўқ. Агар уйингга олиб борсанг, бу қаландарвачча бир пул тўламай текингина сендан дил мақсадини кўлга киритади-ю, қочади холос. Агар мени ҳам ўз дилинг комидан умидвор қилсанг, бироздан сўнг бу йигитни жуда кўп нарсалар билан ҳузурингга бошлаб келаман. Ҳам ҳирсингни қондирасан, ҳам берган пули билан нафсингни қондирасан, дедим. Бу сўзларни эшитгач, ул раъно шу заҳоти сени қўйиб юборди, – деди халоскорим. Фақир ул биродардан ердан кўккача миннатдор бўлдим. Бутун йўл бўйи унинг ҳаққига дуо қилиб бордим. Манзилимизга етишгач, ўша тун неча бир кўрқув ва ҳадик билан тонг отгирдим ва ул манзилдан кўчиб, икки манзил наридаги ҳозирда «Жиходия» деб аталувчи Хон мавзесига кириб бордим. Катта ва кенг бир шаҳар экан. У ердан Қоҳира шаҳригача атиги бир фарсахлик йўл. Мисрнинг барча саркардалари ва кўшинлари шу ерда жойлашган. Ўша пайтда эллик минг янги низом ҳарбийлар мазкур мавзеда лашкаргоҳ ҳозирлашган ва уларнинг барчаси қизил кийинишган эди. Улар таълим учун далага чиққанларида узоқдан халқ кўзига худди бутун оламини лолазор қоплагандек кўринишарди. Лашкаргоҳда олий қасрлар қурилганди. Ниҳоят, ўша кечаси мазкур манзилда йўл азобларидан қутулиб, дам олдик. Эртасига елдек учар туяларга миниб, мақсад сари юзландик. Қоҳира шаҳрига яқинлашгач, у ерда яшаб турган ватандош ҳамшаҳарларим менинг келаётганимни эшитиб, ҳаммаси истиқболимга чиқишди. Улар ҳамроҳлигида қаландарлар тақиясига тушдик.

Фақирнинг Миср вилоятига кириб боргани ва у ердан чиқиб, мақсад сари юзлангани зикри

Гапнинг қисқаси, қаландархона жуда кўнгил очар ва сафоли жой экан. Камина ўша ерда шунга атаб румий тилда бир қитъа битдим. **Қитъа:**

Нақшбанднинг дарғаҳидир бул мақоми дилкушо,

Хоҳ қил Ҳаққа ибодат, хоҳ қил кайфу сафо.

Нони қоқу хирқаи пашмина қоил инак,

Иста майдони муҳаббат, кел азизим, мархабо.

Хўжанд аҳлидан Кошиф афанди исмли бир киши Хўқандда пайти бобом саййидлик паноҳи Ҳақим тўра жанобларига хизмату муридлик изҳор қилган ва фалакнинг гардиши билан ҳажга келиб, қайтишда эса йўли Миср устидан тушганча шу ерда турғун яшаб қолган ва ўшанда Муҳаммадали¹⁶⁶⁶

¹⁶⁶⁶ Муҳаммадали подшоҳ/Алипошшо – Мисрда 1805-1849 йй. ҳукм сурган усмонли туркларнинг ноиби (пошшо).

подшоҳ хизматига кириб, замонлар ўтиши билан вазирлик мартабасига эришган эди. Ана ўша одам келганимни эшитиб, эски кадрдонларни сийлаш расми бўйича дарҳол фақирнинг олдига келди ва хизмат расмини керагидан ҳам ортиқ даражада адо этди. Ўша вақтда Муҳаммадали подшоҳ ўз томонидан ўринбосар қилиб Ҳабиб афанди исмли вазирини Қоҳирада қолдирганча ўзи Искандария¹⁶⁶⁷ шаҳрига кетган ва ўша ерда истиқомат қилаётган экан. Ўқувчилар наздидан яширинча қолмасинким, Қоҳира шаҳри ҳеч бир тавсифга сиғмай, ўзининг «умм ал-билод» – «шаҳарлар онаси» унвонига яраша ҳар жиҳатдан беназир ва тенгсиз. Аммо, унинг устунликларини таъриф қилишга тушсам, сўзимиз чўзилиб кетади. Хулласи калом, ўша пайтда Кошиф афанди номига Муҳаммадали подшоҳдан мактуб келади ва унда айтилишича, подшоҳ Аҳмад афанди нозир ҳамроҳлигида Кошиф афандини Қасри Айн саройидаги юмушларга мутасадди қилиб тайинлаган экан. Ул биродар мазкур ишга тайинланди. Фақир икки-уч кундан сўнг сайру томоша қилиб, шаҳардан ташқари чиқдим ва фотиҳахонлик учун ул сарзаминга бордим. Бу хабарни эшитган Кошиф афанди қувонч билан кутиб олиб, ўзи ўтирган ерга олиб борди ва қасрни кўрсатди. Бу қаср Қоҳира мисридан ярим фарсах ташқарида, қадимий Атиқ ва Булоғ шаҳри орасидаги муборак Нил дарёси соҳилида жойлашган экан. Ниҳоятда кўнгил очар ва фараҳли. Беш юзта хужраси бор эди. Уч ошиёналик бўлиб, барчаси мрамор тошдан, фарангий ойналардан бағдодий деразалар қилинган, хужралари катта-катта, нақшлар билан роса безатилган ва ҳар бир хужрада ўнтадан хушбичим ва хушрўй йигитлар истиқомат қилиб туришибди. Муҳаммадали подшоҳнинг одоб ва расми шундай эканки, ҳар йили теварак-атроф ерлардан тўп-тўп ғуломбаччаларни сотиб олиб келтирар ва шунингдек, ой юзли турк баччалар билан қора кўз араб баччаларни ғуломлар билан ширу-шакардек қориштириб, шу тенгсиз қасрда қўяр экан. Ҳар куни икки маҳал ҳар хил тотли овқатлардан ва лазиз ичимликлардан улар олдида муҳайё, либосларининг барчаси гулнор мовутдан ва амалдорлар кийган шу рангдаги мовутлар зардўзи ҳам эди. Шунини айтиб ўтиш лозимки, болалар кўзида айби бўлса ёки ёши ўндан паст, ёки йигирмадан юқори бўлса, бу «паризодхона»га киритмас эканлар. Чунки, болаларга бу ерда турли фанлардан таълим берилар, боланинг соғлиги ва ёши шунга мос бўлиши керак эди. Бу ерда ҳар соҳадаги муаллим ва хушнавис котиблар фаолият кўрсатарди. Бир гуруҳ устозлар илмларни арабча ўқитса, бошқа бир жамоа эса форсча ўргатади ва баъзилари туркийдан таълим беришади. Бир нечтаси эса фарангий тилларини ўқитадилар. Болаларнинг айримлари хушхат котибларда насх ва таълиқ хатини машқ қилишади, бир нечалари сулс хатини ёзишади. Болалар бир қатор илмларни маълум давра мобайнида ўқиб ўзлаштиргач, имтиҳон топширишади ва яхши истеъдод пайдо қилишгандан сўнг нозирлар текшируви асосида қобилият пайдо қилгани ва тарбият асар этганини ажратиб олишади. Шундайлардан ҳар ойда қанча бўлса, Муҳаммадали подшоҳ ҳузурига элтишади ва уларнинг қайси бир илмдаги истеъдодига қараб, топширик беришади. Масалан, баъзисини тиб илмидан малака ва маҳорати ошиши юзасидан касалхоналарга юборишади. Айримларини Фарангистонга ҳандасага ўхшаш ғариба илмларини ўрганиш учун жўнатишади. Бир бўлагини девонга ишлаш учун тайинлашади ва ҳакозо. Берилган илмларни ўзлаштирмаган ва тарбият асар қилмаган болаларни эса ажратиб олиб, жиҳодияга юборишади. *Сардор*лар уларни олиб кетиб, қўшинга қўшиб қўйишади. Ҳар уч ойда иш шундай. Бу томондан бир гуруҳ учирма қилинади, у томондан эса кириб келаверади. Хулласи калом, Боғи Эрам паризодхонаси шу Қасри Айн бўлиб, Мисрга тушган. Фақир бу ҳолни кўргач, ҳайрат бармоғини тишладим ва камина кўнглига ҳам шу илмгоҳда муқим туриб қолиш истаги келди. Аммо, байтуллоҳ муҳаббати дилимда қаттиқ ўрнашгани сабабли бу ишқ мени тортқилаганча Каъба сари судрарди. **Байт:**

Риштае бар гарданам афканда дўст,
Мебарад ҳар жо ки хотирхоҳи ўст.
[Дўст бўйнимга бир арқон ташлаб,
Ўзи истаган жойга мени судрайди].

Алқисса, паризодхонадан неча бир ҳасрат доғи билан чиқиб, тақиямиз сари юзландим. Сўнг бир неча кун давомида вилоятни сайру томоша қилиш билан машғул бўлдим. Ўша кезларда биродарим Моҳир афанди вазирлик паноҳи Ҳабиб афанди хизматига ишга кирадиган бўлиб, мендан маслаҳат сўради. Мен ҳам ишга киришини маъқул топдим ва ул жонажон дўст мендан айрилиб, вазир хизматчилари сафига қўшилди.

Бир неча кундан сўнг Қоҳирадан кўч-кўлонимни орқалаб, байтуллоҳ ва Мадинаи мунаввара эҳромини жону-дилдан белимга боғлаб, неча бир ожизлик изҳори билан бепоён биёбон сари қадам ташлаб, ул малак посбон даргоҳ остонаси томон юзландим. **Қитъа:**

Умеди тавофи ҳарам кўйи ту афканд,

¹⁶⁶⁷ Искандария – Миср шимолида, Ўрта ер денгизи соҳилида жойлашган шаҳар.

Дар водии ғам тоифаи бесару поро.
«Лаббайка» занон бар арафоти сари кўят,
Сад қофила жон мунтазир, овоз дароро.
[Ҳарам тавофи умиди тўпинг отиб юборди,
Саргашталар тоифасининг ғам водийсига.
«Лаббайка» дебон арафотда кўчанг бошида,
Минг жон карвони «кир» деган овозга илҳақ].

Шу зайл йўлга тушиб, бир неча масофани босиб ўтгач, Шўр денгизининг энг катта бандаргоҳи ҳисобланган Судис¹⁶⁶⁸ шаҳрига кириб бордим. Жуда обод, фаровон шаҳар экан. Аммо, ичимлик суви ноёб бўлиб, бир томчи сувнинг кадри юз коса оби ҳаёт билан тенг эди. Шу сабабли бу шаҳар халқи шўр сувга ўрганиб кетишган экан. Айримлари, ёмғир бўлган маҳалда чуқурлардан келтиришар экан. Уч кундан сўнг ҳар бирининг улканлиги олдида осмон кенглиги ҳеч нарса бўлмай қолувчи ва тўққиз фалак ҳар бирининг ёнида бир парча қоғоздек кўринувчи катталиқда баҳайбат бир кемага миндик. Сувларни оёқсиз босиб ўтувчи кема йўлга тушди. Шифти ер устида ва устуни ер тагида ўрнашган хонада ўтирганча, ихтиёр жоловини енгил кезувчи шамол кўлига топшириб, поёни йўқ денгиз сари юзландик. Денгизда уч кун сузгач, маллоҳлар «манави ер ўша Фиръавн чўккан мавзе ва бу ерга яқинлашган кема албатта шикаст топади» деб қолишди. Иттифоқан, ўша соатда шундай каттиқ бир шамол кўзғалдики, сув фуртаналаридан катта-катта тоғлар ҳосил бўлди. Барчанинг фикрига денгиз наҳангларига ем бўлдиқ шекилли қабилдаги гумон келди. Қаранг, айни шу пайтда елкан ёғочи ҳам синди. Бу ҳолни кўргач кема ичидаги бари мусофирлар ширин жонларидан минг бор умид узиб, калима қайтаришга тушдилар. Маллоҳлар лангар ташлашга қанчалик уринмасинлар, фойдаси бўлмади. Кема ўзича кета бошлади. Шу кўйи бир неча масофа сузгач, денгиз соҳилига етдик. Қирғоқда катта ва обод ўрмон бор бўлиб, Тури Сино¹⁶⁶⁹ тоғи шу ерда тугайди. Маллоҳлар бундан қувончлари ичига сиғмас даражада хурсанд бўлишди. Чунки, кема ўз ҳолича қолган кезлари оқибати нима билан тугаши номаълум ва аянчли бўлиб, бу гал кема неча йилдан бери биринчи марта шу қулай жойга чиққан экан. Тўқай ичида Мусо *алайҳиссалом* чашмаси бўлиб, унинг бундай номланишига сабаб, ўша ҳаммамизга маълум тарихий воқеада Фиръавн сувга чўккандан сўнг, мазкур пайғамбар келиб шу булоқ сувида ғусл қилиб, икки ракат шукр намозини адо қилган эканлар. Калимуллоҳ шарофатидан бу чашма суви жуда иссиқ бўлиб, ким бу булоқ сувида ғусл қилса бел оғриғига йўлиқмайди. Ҳа, чашманинг ана шундай хосияти ҳам бор. Айтишларича, билсон (бальзам) дарахти шу ўрмондан бошқа ҳеч бир жойда ўсмас ва яҳудийлар эса ундан мой олиб, жаҳон савдогарларининг бальзам мойига бўлган талабини тўла қондирар эканлар. Бу гапларни эшитгач, ер юзига чиққанимиздан кема мусофирлари ҳам хурсанд бўлиб, кемадан ташқари чиқдилар ва ўрмон томон юзландилар. Фақир тажрибам камлигидан адашмай деб, улар кетидан эргашдим. Аммо, барибир, ўрмон ичига киргач, йўлдошларимни йўқотиб қўйдим. Бақириб-чақирганча якка ва ёлғиз ўзим ўрмонда ҳар томонга қараб чопишга тушдим. Чунки, ўрмон ичи кўрқинчли ва ваҳимли бўлиб, унга кирган шернинг ҳам ўтақаси ёрилади. Дарахтларининг боши Сурайё юлдузига тегади. Ниҳоят, анча уринишлар ва ҳазрати вожиби таоло меҳрибонлиги туфайли кутилмаганда ҳалиги чашма ёнидан чиқиб қолдим. Йўлдошларим мени йўқотгач, бу орада топишларидан умид узганча шу булоқда ғуслни тугатиб туришган экан, уларни ана шу ҳолда учратдим ва мен ҳам дарҳол ғусл қилдим. Булоқ суви жуда иссиқ эди. Ғуслни тугатгач, икки ракат шукр намозини ўқидим ва ҳамроҳлар билан неча қийинчилик чекиб, кемага чиқиб олдик. Ўқувчилар кўнглидан бекитикча қолмасинким, мисрликларнинг кўпчилиги юқорида айтганим ривоятни бир овоздан маъқуллашади. Аммо, кўпчилик муаррихлар мўътабар китобларда ёзишларича, Фиръавннинг ғарқ бўлиши муборак Нил дарёсида рўй берган, бошқа бирон жойда эмас. Алқисса, кемага чиқиб ўтирдик. Эртаси куни елканларни тузатиб, қайта тиклашди ва шу кўйи денгиз ўртаси сари сузиб кетдик. Кемани жуда чақонлик билан бошқариб, катта тезликда ҳайдашди. Бир ҳафтадан сўнг Ёнбуқ вилоятидан чиқдик. Уч кун ўша мавзеда турдик. Пашша кўплиги ва ичимлик суви йўқлигидан бу мавзегача чиққанимиз унчалик яхши бўлмади. Бу ерда бир хил майда-майда балиқ бўлиб, уни эзишгач, шу ширасидан ёзадиган сиёҳ олишади. Жуда қоп-қора сиёҳ чиқади. Фақир бундай сиёҳ олиш жараёнини ўз кўзим билан кўрдим. «Ажойиб ул-махлуқот» асари муаллифи ҳам ўз китобида бу ҳақда ёзган. Хайрул-башарнинг оналари Омина қабри ҳам шу ерда. Уч кундан сўнг яна кемага ўтириб, тўфонларга кон

¹⁶⁶⁸ Судис/Сувис/Сувайс – муаллиф даврида Ўрта денгизни Қизил денгиздан ажратиб турувчи қуруқлик, Миср худудида. Африка билан Осиё материгини бирлаштириб туради.

¹⁶⁶⁹ Тури Сино – Синайдаги тоғ номи.

денгиз сари юзландик. Уч кун давомида тўхтовсиз сузгач, муборак Жидда¹⁶⁷⁰ бандаргоҳидан чиқдик. Жидда шаҳри жуда обод ва фаровон жой бўлиб, Хижоз ўлкасининг энг яхши шаҳри ва Муҳити аъзам(океан)нинг энг катта бандаргоҳи ҳам шу Жидда саналади. Денгиз орқали юрувчи савдогарларнинг барчаси шу шаҳарда тўпланишиб, сўнг ўзлари танлаган денгиз сари сузиб кетишади. Ҳазрати Момо Ҳаво қабри ҳам шу ерда. Муборак қад-бўйлари узунлигини одимлаб ўлчаб кўрдим, бир юз йигирма қадам чиқди. Бу муборак шаҳар халқи мазали сувдан бебаҳрадир. Жиддадан елдек учар туяларни кира қилганча Маккаи муаззама сари юзландим. Бир кеча-кундуздан сўнг тез юрган ҳолда сахар вақтида ул муаззам шаҳарга кириб бордим.

Бу бечоранинг неча бир ожизлик ва эҳтиёж юзасидан Маккаи муаззамага етиб боргани ва бу баракатлар энувчи мавзедан беш ойдан сўнг қайтиб, денгиз йўли орқали Мадинаи мунавварага юзлангани зикри

Алқисса, ҳарамга яқинлашгач, бир араб боласи олдимда пайдо бўлди. Уни ўзимнинг далилим қилиб, ҳарам ичига кирдим. Каминанинг кўзи шариф байтуллоҳга тушди-ю, шу пайт беҳуш ҳолда ерга қуладим. Бироздан сўнг ўзимга келдим ва тавоф расмини бажо келтириб, Замзам қудуғи сувини ўта ташна ҳолимда шимириб-шимириб ичдим. У ердан Сафо ва Марва¹⁶⁷¹ тоғлари сари юзландим. Барча тилакларни тилаб, тавба-тазарруъ ва тавоф қоидаларни бажаргач, эҳромдан чиқиб, беш тиллога Боб ас-салом¹⁶⁷² олдидан бир олий уйни ижара қилдим ва шу ерда истиқомат қила бошладим. Шундан сўнг ҳар кун бош очик, оёқ яланг байтуллоҳ тавофи билан машғул бўлдим. Жаннат ал-муалло, Ҳажри мутакаллим ва Муваллиди наби алайҳиссалом ва Али карамуллоҳи ваҳҳ каби зиёратгоҳ мавзелар¹⁶⁷³га бордим. Ўша 1242/1827 йили беш ойдан сўнг (26 июн-25 июл) ҳаж мавсуми етишиб, амири ҳаж шариф бахмал билан неча бир шону шавкатда кириб келди. Қоҳира шаҳри амири ҳажи ҳам шариф бахмал билан кўп дабдабада келиб тушди. Эртаси куни тўпланган бир неча минг ҳожиларнинг ҳаммаси эҳром боғлаб, неча бир ожизлик ва ниёз изҳорини қилганча Арафот тоғи¹⁶⁷⁴ томон юзландик. Мино мавзеси¹⁶⁷⁵га етишгач, бироз вақт тўхтаб, у ердан Муздалифа мавзеси¹⁶⁷⁶га тушдик. У ердан ҳам кўчиб, Арафотга кириб бордик. Ул мавзеда фақирингиз бир нечта сайёҳлар билан бирга дам олдим. Эртаси куни пешиндан кейин бутун ҳаж аҳли «лаббайка» садолари остида Арафот томон йўналиб, ул катта тоғ ён-атроф ва этагини тўлдириб юбордик. Шунда ҳожиларнинг ниҳоятда кўплиги сабабли йўлдошларимни йўқотиб қўйиб, улардан айри тушдим. Қанчалик ахтариб, уринмайин, биронтасидан ному нишон топмадим. Бошим оққанча ва ҳар тарафга хайрон югурганча излашга тушдим. Бўлмади. Сўнг ноилож ҳаж амалларини ўтаётган Такрур халқига қўшилиб, Арафот тоғи тепаси томон йўналдим. Тирмаша-тирмаша йўл босиб, ниҳоят неча бир қийинчилик ва машаққат билан Арафот тоғи устига чиқдим. Тоғ тепасида жуда бир кичкина қилиб гунбазча қуришган экан. Такрур аҳли у ерни худди Маккаи муаззама сингари тавоф қилишди. Улардан ҳар бири кичкина тошчалар қўйишди. Бу амалнинг сабабини била олмай, мен ҳам тавоф амалларини улар қилган каби бажарсаммикин ё йўқми, дея бошим қотиб қолди. Индамай ўтиравердим. Бу ерга бир неча минг ҳожи йиғилган бўлиб, барчаси зиёрат кийимида эди. Ҳанафий мазҳабидан эса бу ерда ҳеч бир жамоа кўринмасди. Фақир, нега ҳам бу халққа қўшилиб бу тепага чиқа қолдим, дея жуда ташвишланиб, қаттиқ эзилдим. Абу Ҳанифа ва бошқа мазҳабларда тарки мустаҳаб бор-йўқлигини билмагандим-да. Аммо, камина бу ерда тарки фарзга арзийдиган анча нарсаларни кўрдим. Аммо, уларни ёзай десам, гап чўзилиб кетади.

Алқисса, иккита шариф бахмални неча бир зебу зийнат ва дабдаба билан Арафот тоғи олдиға келтириб туришди. Шунда Маккаи муаззама қозиси оқ туяға минганча тоққа чиқди. У чорак таноб кенгликдаги ердан иборат тоғ бошиға яқинлашгач, отдан тушди ва вожиби таолоға ҳамдлар ўқишға киришди. Ўша чоғда қиёмат кўпгандай бўлиб, замину замон ларзаға келди, тоғу тошлар титраб, денгиз сувлари тўлқинланиб, мавж ура бошлади. Чунки, бир юз эллик минг нафар кишининг ҳаммаси

¹⁶⁷⁰ Жидда – Саудия Арабистондаги шаҳар. Қизил денгиз соҳилида жойлашган.

¹⁶⁷¹ Сафо ва Марва – бу номдаги тепаликлар орасида ҳожийлар 7 марта югуриш маросимини бажарадилар.

¹⁶⁷² Боб ас-салом – Каъба масжидини даровозалари бирининг номи (Сулҳ дарвозаси).

¹⁶⁷³ Жаннат ал-муалло, Ҳажри мутакаллим ва Муваллиди набий, Алий зиёратгоҳлари – Макка шаҳридаги ҳожийлар зиёрат этадиган муқаддас жойлар.

¹⁶⁷⁴ Арафот тоғи – Маккадан 20 км нарида жойлашган, узунлиги 11-12 км ва кенглиги 6,5 км бўлган водий. Шимол томондан тоғ тепалиги билан ўралган, бу тепалик ҳам Арафот дейилади. Қурбон оий (Зи-л-ҳижжа оий)нинг 9-куни, яъни арафа куни ҳожилар шу тепаликка чиқиб, то қуёш ботгунга қадар ибодат билан машғул бўладилар.

¹⁶⁷⁵ Мино мавзеси – ҳаж маросимининг 9 ўтар кечаси ўтказаладиган водий. Зу-л-ҳижжанинг 10 куни эрталаб Муздалифадан олинган 49 кичик тош кичик шайтон рамзига улоқтирадилар.

¹⁶⁷⁶ Муздалифа – бу водийда ҳожийлар шом ва хуфтон намозларини ўқиб тунадилар.

жўр бўлишиб, «лаббайка» айтмоққа тушгандилар. Аср намозидан олдин қози муножотини тугатди ва аждаҳо гавдали тўпларга ўт қалашди. Уларнинг гумбирлаган товуши оламни тутди. Ҳожилар ҳой-хуй дея бақириб-чақирганча товушларини баралла қўйиб, орқага қайтишди. Муздалифа мавзесига етишдик ва ўша тунни мазкур жойда ўтказдик. Айрим фатво берувчи мужтахидлар назарича, агар шу тунда ухланмаса, вожиби таоло ўз бандалари гуноҳларини кечирар экан. Чунки, ўша тунда одамни шундай уйқу босадик, ҳеч бир йўл билан бедор ўтириб чиқмоқнинг чораси топилмайди. Чунончи, камина ҳам мабодо ухлаб қолмай деган кўрқув билан ҳар томонга юриб чиқдим. Юриб турганимга қарамай, шундай ғафлат босарди, бехтиёр чўчиб тушар, ўтирганимда эса кўзимни уйқу элитган чоғи ўтга тушган исирикдек ўрнимдан сакраб турардим. Ишқилиб, ухламай, минг бир азобда шу зайл тонг оттирдим. Сўнг ўша масжидда Қурбон ҳайити намозини барвақт ўқиб, Минога келиб қўндик. Ҳар ким қурби етгунча қурбонлик қилди. Ул мавзеда етти иқлим халқи чунонам бозор барпо қилишган эдик, рубъи маскуннинг ҳеч ерида бунақасини кўз кўриб, қулоқ эшитмаган. Мавлавий Осафий исмли бир киши Ҳиндистон пойтахти Лакновар вилоятдан келган бўлиб, у ҳазрат хайрул-башар равзаси учун олмос шишасидан йўнилган ниҳоятда шаффоф ва дархт шаклида ясалган бир қандил келтирган эди. Унинг ўн саккиз катта-катта машъалхонаси бор эди. Ҳар бири беш коса мой билан тўларди. Шаклнинг ҳаммаёғи бир қолибда яхлит қуйилган эди. Яна ож ёғочидан ҳаммаёғи тилло суви югуртиб ясалган зина ҳам олиб келган бўлиб, шу иккаласига то Маккаи муаззамага олиб келингунга қадар қилинган харажат эллик минг тиллони ташкил қилган экан. Байтуллоҳ учун олиб келишган Абдулазизхон Бухорий¹⁶⁷⁷ яратган эски зинани эса ўша йилиси қўйиб, янги зинани муаззам хона эшигига ўрнатишди. Гапнинг қисқаси, мазкур мавлавий тиб илми ва ҳозиқликда ўз асрининг тенгсиз ва беназир кишиси эди. Иттифоқан, мен билан улфат бўлиб қолди. Камина бир неча вақт бетоблик тўшагида ётган эдим. Ул азиз дўст мени даволади ва касалимни тузатди. Ўша дўстимиз мазкур бозорда кўзим ўнгида етмиш минг тиллога гавҳар сотди. Энди шундан қиёс қилаверасиз. Ҳар иқлимдан келган ана шундай савдогарлардан бу бозорда керагича топиларди. Тўртинчи куни у ердан муаззама Маккага келиб, зиёрат тавофи амалларини адо этдик ва эҳромдан чиқдик. Уч кундан сўнг тавоф амалларидан бўшагач, Боб ул-видоъга бордик ва неча бир йиғи ва зорлик билан хонаи худо билан хайрлашиб, муборак Жидда томон қайтдик.

Азиз ўқувчилар кўнглидан яширин қолмасинким, байтуллоҳи шариф таърифини ҳеч бир баён билан адо этиб бўлмайди. Худонинг уйи бўлгани учун таърифига эҳтиёж йўқ. Алқисса, муборак Жиддага етишгач, катта кемага чиқиб, Шўр денгиз томонга йўналдик. Анча масофани сузиб ўтгач, беш кундан сўнг Ёнбуъ вилоятдан чиқдик. Фақир ўша ердан карвонга қўшилиб, туя кира қилганча, мунаввара Мадина сари юзландим. Ул чексиз биёбонда йўл босиб кетарканмиз шундай Сом шамоли кўтарилган эдик, одамлар туя устидан учиб кетишар ва ерга қайтиб тушмасдан бурун жонлари бадан қолипидан кўчарди. Қўрқувга тўла бу чўлда бир неча ерда араб қароқчиларига дуч келиб, неча бир ҳийла ва тадбир билан нажот топдик. Агар улардан ҳар бири шарҳига тўхталсам, эшитувчиларга малол келиши аниқ. Бинобарин, шу эслатиш билан кифояланаман. Ниҳоят, беш кундан сўнг қуёш чиқиш маҳали ул сарвари коинот ва хулосаи мавжудот *алайҳи афзал ас-саловот ва-т-таслимот* мақбарасининг кўк гумбази намоён бўлди. Барча карвон аҳли ўзини туялардан ерга тап-тап отиб, ёқаларини йиртиб йиғлаганча тез-тез қадам ташлаб кетдик. Бироздан кейин расуллик тахтгоҳининг ҳазрат султони ва буюклигу қудрат саройи ҳоқонининг муқаддас равзаси (Пайғамбар) остонасини ўпиш учун юзландик.

Бул йўқсил банданинг ҳазрат саййиди кавнайн алайҳис саловоти вассалламнинг малак посбонли даргоҳига етишгани ва давлатсизлиги сабабли ул шарофатли мавзедан қайтиб, неча бир дарду ҳасрат билан денгиз йўли орқали касофатлар шахрига юзлангани

Алқисса, неча бир одоб билан шариф ҳарамга кирдим. Кўзим ҳазрат Муҳаммадмустафо *саллаллоҳи алайҳи васалламнинг* пок равзасига тушгач, ўзимдан кетиб, беҳуш бўлдим. Бироздан сўнг ўзимга келдим. Неча бир кўрқув ва ваҳима билан ўзимни зўрға қўлга олдим. Бир неча лаҳзалардан сўнг ул ҳазрат *алайҳиссалом* зиёратидан фориғ бўлиб, ушбуларни дердим, **байт:**

Эй хокбўси даргаҳат мақсуди ҳар соҳибдиле,
Бурдан ба хок ин орзу мушқилтар аз ҳар мушқиле.

¹⁶⁷⁷ Аштархоний Абдулазиз ибн Надрмуҳаммад ибн Динмуҳаммад ибн Жонмуҳаммад ибн Ёрмуҳаммад кўзда тутилмоқда. 1645 йили отасидан Бухоро тахтини тортиб олган Абдулазизхон 1681 йили тахтни укаси Субҳонқули султонга топшириб, 1681 йилнинг 28 июлида Бухорони тарк этади ва оиласи, яқин кишилари билан бирга ҳаж сафарига чиқиб, зиёратга эришгач, Маккада вафот этади.

(Мазуни: Эй эшиги ҳар дил соҳибининг ўпадиган ери бўлмиш зот,
Бу орзу билан ўлмоқ мушкуллардан энг мушкулдир].

Шундан сўнг Буқъа (Бақийъ) гўристонини сари юзланиб, ул мавзе зиёратини ҳам адо этдим. Эртаси куни бош очик, оёқ яланг ташқари чиқиб, Уҳуд тоғига бордим ва у ерда жаноб амир Ҳамза ва бошқа шаҳидлар – улардан *Аллоҳи таоло рози бўсин* – зиёратини бажо келтирдим. Сўнг араб қароқчиларидан кўрқа-писа Қиблатайнга бордим. У ердан Қуббат ал-исломга ўтдим. Зиёратдан фориг бўлгач, шаҳарга юзланиб, ул сарварнинг малаклар посбонлик қилувчи даргоҳига етишдим ва одамлар яхшиси равзаси билан онҳазратнинг «жаннат боғларидан бири», яъни, жаннат ери ҳисобланган минбари оралиғидаги ерни ўпиш учун ўзимни тап ташлаб, тазарруъга машғул бўлдим. Мужтаҳидлар айтишича, кимки ўша ерга кирса ва кейин мен жаннатга кирганман дея қасам ичса, бундай ҳолатда унинг қасами ёлғон бўлмайди. Фақир ҳар кун ул мутабаррик заминда «пайғамбар *алайҳиссалом* айтган: қабримни зиёрат қилганга қиёматда шафеъ бўламан» ваъдаси умидида зиёратга машғул бўлдим. Эртаси куни у ердаги Ҳиро ғори¹⁶⁷⁸ дан ташқари «Во умматино» деб аталувчи, яъни ҳазрат пайғамбаримиз *алайҳиссалом* уч кеча-ю, кундуз ҳазрат раббил иззатдан ҳамма умматининг гуноҳини тилаган ва бу воқеа барча тарих китобларида битилган ғорга кирдим. Ташқарида ҳаво ниҳоятда иссиқ эди. Ғорга киргач, унинг жуда тор ва икки кишидан ортиғи сиғмаслигини билдим. Бир томонида эса жуда кучли шамол тортувчи туйнук бор эди. У ердан кириш имкони йўқ. Фақирни бироз вақт кўркув ҳисси чулғаб олди. Кейин хотирға келдиким, бу ер кўркувдан холи бир жой. Шу табаррук жойда фақирни уйку элитиб, қуйидаги тушни кўрдим: ниҳоятда чиройли бир кўшқда ўтирибди эмишман, у ерга ҳазрат хайрул-башар *алайҳи афзал ас-саловот ват таслимот* барча саҳобалари билан ташриф буюрган эканлар. Фақирнинг Маккаи муаззамада бир дўсти бор эди, асли маккалик, ана ўша ҳам шу ерда ҳозир бўлди ва ҳазрат *алайҳиссалом* хузурига кириб кетди. Бироздан сўнг онҳазрат *саллаллоҳи алайҳи васаллам* ёнидан қўлида иккита яхши анор ушлаган ҳолда чиқди ва олдимга келиб «бу анорни ҳазрат саййид ул-мурсалин *саллаллоҳи алайҳи васаллам* сенга иноят қилдилар» дея қўлимга тутқазди. Фақир ниҳоятда қувончга тўлиб, анорни ул биродар қўлидан олиб, емакка бошладим. Ана шу ерга келганда уйғониб кетиб, кўзимни очдим. Шундай хурсанд эдимки, юрагим қувончдан тарс ёрилай дерди. Ул яхшилиқда ўхшаши йўқ мавзедан пайғамбар *саллаллоҳи алайҳи васаллам* остонасини ўпиш учун келиб, зиёратга машғул бўлдим. Эртаси куни бадбахтлик важдан ҳазрат хайрул башар *алайҳиссалом* даргоҳи остонасини ўпишдан айро тушганча неча дарду ҳасрат билан Шўр денгиз томон қайтдим. Ақллилар кўнглига маълум ва равшан бўлсинким, Мадинаи мунаввара таърифи баёнига ҳожат йўқ.

Алқисса, бепоён биёбонда кўплаб масофа йўл босиб, беш кундан сўнг Ёнбуқ мавзесига кириб бордим. Ул ифлос бандаргоҳда тўрт кун муқим турдим. Бу ерда турган тўрт куним Муҳаммадалихон қизиталокнинг тўрт ойлик қамоғидан ҳам қийинроқ кечди. Алқисса, кемаларнинг энг каттаси саналмиш «Такна» деб аталувчи чоққина кемага тушиб, Шўр денгиз сари юзландик ва неча масофани сузиб ўтдик. Денгиз саёҳатимиз узоққа чўзилиб, бу гал йигирма беш кунга етди. Мазали ичимлик суви танқислигидан кема аҳли ёмон аҳволга тушдилар. Бир коса сувни бир тиллога ҳам топиб бўлмасди. Ким шўр сув ичса, бу сув унга худди беҳол қилувчи дору каби таъсир қиларди. Ана шундай қийинчиликлар билан йўл юрардик. Қоп-қоронғу бир тунда қаттиқ шамол туриб, денгизда Нуҳ *алайҳиссалом* тўфонини ва Самуд шамолини эслатувчи талотўм кўзғалди. Доно маллоҳлар шамол кирмайдиган машғал ёқилган хужрага кирганча хариталарини олдларига ёйиб қўйиб, роса тикилишарди. Харита деганим бир тахта қоғоз бўлиб, унга Шўр денгизнинг барча тасвири чизилган эди. Масалан, денгизда қанча орол бор, кемага хавф туғдирувчи нечта тоғ бор ва ҳакозо. Катта бир компасни ҳам олдиға қўйишган ва шунга қараб, қарор қабул қилишарди. Биттаси кеманинг думини олиб, буйруққа кўра кема мурувватини айлантларди. Ўша айёмда денгиз шу қадар қутурдики, кемага келиб урилаётган ҳар бир тўлқин отилаётган тўп каби садо берарди ва сув кема устидан ошиб, кемани денгиз суви сатҳи билан тенг қиларди. Кемадаги мусофирларнинг ҳаммаси ҳаётларидан умид узганча ўлимини кутиб ўтирардилар. Тонг ғаввоси туннинг зангори денгизидан бош кўтариб чиққач ва турмуш палоси қуёшнинг ялтироқ гавҳари шуъласидан зийнат топгач, ўша қоронғу тунда маълум бўлмаган ҳолатни кўрдик – олам равшан бўлгач, яхшилаб қараб денгизнинг пўртаналари шу даража туғёнга келгани ва кеманинг тўрт томонидан гўё мингта тоғ устма-уст минганча кемага келиб урилаётган экан. Бу аҳволда минг жонимиздан бир жонимиз қолмаса керак, деган ўйга бордик. Ахир, кема сув тоғи устига чиқиб, тагин сув остига шўнғирди. Кетидан эса тагин катта тўлқинлар яқинлашиб келиб, кема яна тепага кўтарилди. Фақир ўлимим аниқлигига шу даража ишонч ҳосил қилдимки, калима қайтаришдан бошқа ишим йўқ эди. Шу аснода, ўлганнинг устига минг таёқ

¹⁶⁷⁸ Ҳиро ғори – Макка яқинида жойлашган ва ислом Пайғамбари кўпинча у ерда хилватда бўлган ғор.

деганларидек, елкан ёғочининг бир томони синди, кема аҳли ва маллоҳлар дод-вой дея қичкира бошлашди. Ҳар ким ўз иши билан бўлиб, кемада ўтирганларнинг барчаси елканга ёпишиб, неча бир меҳнат ва машаққат билан уни ушлаб туришди ва ўрнига бошқа ёғоч ўрнатдилар. Шунда кема ичида бирдан ғала-ғовур кўтарилди, нима гап экан десам, узоқдан бир тоғ кўринган экан. Кема аҳли роса хурсанд бўлишди. Аммо, пўртана туғени эскича ҳолида бўлиб, сира пасаймади. Бирор лаҳзадан сўнг шаҳарнинг ҳам қораси кўринди. Кўп ўтмай денгиз соҳилига етишдик. Қайтадан ҳаётга қайтганимизга шукрлар қилиб, денгиздан ташқари чиқдик. Чиққан жойимиз Қусайр¹⁶⁷⁹ номли кўркама бир бандаргоҳ эди. Аммо, бу ерда ҳам мазали сув анқонинг уруғидан ҳам ноёброқ, салсабил сувидан ҳам қадрлироқ экан. Уч кун ўша ерда денгиз сафари ҳордиқларини чиқардик. Шундан сўнг карвонга пул тўлаб, мақсад сари юзландик. Йўл асносида сув юзасидан жуда қийналдик, аҳволимиз чатоқлашиб, шўр сувдан ҳам йўли билан фойдаланиш чораларини изладик, бўлмади. Чунки, тиббиёт китобларида шўр сувни ичимлик сувига айлантириш ҳақида айрим маълумотлар ёзилган. Ўша куни ҳаво қумлар қайнаб-пишадиган даражада иссиқ бўлганди. Бахтимизга қарши кутилмаганда Сом шамоли ҳам кўзгалди ва ҳаётдан минг бор умид узганча ул чексиз қум ерда йўл юришда давом этдик. Энди қаранг, ўшандай аҳволда фақирнинг туяси чарчаганидан юра олмай қолса бўладими. Ҳар соатда зўрға бир қадам босарди. Барчага маълумки, туянинг йўл юриши шундоқ бўлса, толиқиб қадам ташлагани қандоқ бўлади. Арабистоннинг белмоя зотли туясимидики шамол билан мусобақалашса. Қарасам, карвондагилар кўзга ташланмайди. Энди ана шу хунхор даштда ёлғиз ўзим йўл юрий бошладим. Билдимки, туяга ишониб, мақсадни қўлга киритиб бўлмайди. Ноилож пастга тушиб, пиёда юра бошладим. Аммо, озгина юргач, ўзим ҳам чарчаб, тўхтаб қолдим. Қазову қадарга рози бўлиб, ўлимимни кута бошладим. Шунда ҳалиги туя ёнимга келди, маҳор¹⁶⁸⁰ идан тутдим ва туянинг думини ушлаганча, секин-аста қадам босиб кетавердим. Ташналиқдан тилим осилиб, сақоғимгача тушганди. Ўзимча, бу қандай бахти қаролик ва толеъ пастлик эканки, тўфонга кон денгиз наҳанглари оғзидан кутулиб, чўлдаги йўлбарс панжасига йўлиқдим, бало гирдобидан чиқиб, қийинчилик ва азоб қаърига қуладим, қани ажал бургути ва ўлим лочини, келиб балога учраган жоним саъвасини шу ондаёқ елга совурса ва қарчиғай чангалидан қутқарса. Алқисса, ана шундай бир ҳолатда турганимда кетимдан туя минган бир йўловчи келиб қолди. У ҳам мен каби роса чанқаган экан. Биргаликда йўл юриб кетдик. Анча юргач, ногоҳон олдимиздан бир карвон чиқди. Ёнимдаги туя минган йўлдошим карвондагилардан ўта илтижо билан бир коса сув сўради. Уларнинг раҳми келиб, катта бир косани тўлдириб сув берадиган бўлишди. Ул соддадил одам, фақирга, сувни олиб бер, сенга ҳам бир қултум сув бераман, деган маънода имо-ишора қилди. Фақир чаққон бир суратда карвондагилар қўлидан сувни олиб, чунонам сипқордимки, катта бир косада бир томчи ҳам сув қолмади. Ҳамроҳим ўзининг арабий тилида мени роса бўралаб сўқди ва носазо гапларни айтди. Шундан сўнг туяга миниб, йўлга равона бўлдим. Озгина йўл юргач, узоқдан бир қишлоқ қораси кўринди. Бироздан сўнг муборак Нил соҳилига етиб бордим. Ҳаддан зиёд ташналигим сабабли унинг мазали сувидан бирпасда, тагида бир қултум ҳам қолдирмай, етти чиний коса сув ичдим. Аммо, ҳушимдан кетиб, анчадан сўнг ўзимга келдим. Ул чексиз биёбондан нажот соҳилига чиқиб олганимдан яратгани эгамга беҳад шукрлар айтиб, у ердан бир манзил наридаги Қуния¹⁶⁸¹ вилоятига етишдик. Бу шаҳар Саид мамлакатининг энг катта ва ниҳоятда обод, фаровон вилоятларидан. Муборак Нил дарёси қирғоғида жойлашган. Вилоят охири Мисргача бир ойлик масофадаги йўл билан дарёнинг икки қирғоғи бўйлаб катта ва обод шаҳарлар орқали туташади. Бу шаҳардан юқорироқда жойлашган ва икки ойлик йўл билан етиб бориловчи Зангвор ва Ҳабашиа мамлакатлари бор. Уларгача ҳам дарёнинг икки ёни бўйлаб катта ва обод, фаровон шаҳарлар, қишлоқлар тушган. Фақир бу вилоятни ниҳоятда сўлим ва кўркама ҳолда кўриб, бир неча кун саҳро чарчоқларини ёздим. Айни кезларда тухфа сифатида Муҳаммадали подшоҳга Ҳабашиа вилоятдан вояга етган катта бир жирафа олиб боришаётган экан. Жирафани форсий тилда «Шутурговпаланг»¹⁶⁸² деб аташади ва у ҳайвонлар ичидаги ажойиб ва яхши бир ҳайвон бўлиб, ўхшаши йўқ кўринишга эга. Олдинги икки оёғи узун ва иккита орқа оёғи калта, бўйни жуда узун. Унинг маъсум юз тузилиши ҳеч бир ҳайвонда йўқ даражада гўзал ва иккита кўзи оҳу кўзидан бир неча баробар чиройли. Думи сигирнинг думи каби ва шохдек бўлиб кўринадиган иккита ажабтовур тожи бор бўлиб, улар худди қора ипакдан ясалгандек майин. Терисининг ранги бир қатор

¹⁶⁷⁹ Қусайр бандари – Мисрда, Қизил денгиз соҳилидаги шаҳар-бандар.

¹⁶⁸⁰ Маҳор – туянинг тизгини, лажоми.

¹⁶⁸¹ Қуния – Туркиянинг жануб қисмидаги шаҳар. Ликаон текислигида. Қўния элининг маъмурий маркази. XV-аср охиридан усмонли турк салтанатига қўшиб олинган эди.

¹⁶⁸² Шутурговпаланг – учта ҳайвон номидан ташкил топган, бўйни узунлиги учун “шутур” - туя, шохи борлиги учун “гов” - сигир, йўл-йўл чизиклари учун “паланг” – йўлбарс, номларини олган.

анор гулидек қирмизи бўлса, яна бир қатори оқ. Азал наққоши ўзининг комила қудрати билан чунонам нақш қилганки, ул нақш на кам ва на зиёд. Ана шундай мўжиза бир тухфани Мисрга олиб кетишди. Фақир бир неча кундан сўнг муборак Нил дарёсида қатновчи кемага тушиб, мақсад сари юзландим. Кундузи сузар, кечалари тўхтаб турардик. Нил дарёсининг икки соҳилидаги барча ерлар ободлик ва олий шаҳарлардан иборат бўлиб, қаерни кўнглимиз тусаб қолса, ўша ерда тўхтардик. Катта денгизларда чеккан азоб-уқубатларимиз қусурини ушбу муборак Нил дарёсида бирига юз баробар қилиб чиқардик. Мириқиб дам олгунча салқин дарёда роҳатланиб борардик. Ҳар куни лаззатли овқатлар ва кўкатли таомлар тановул қилдик. Улардан бири шакар қамиш бўлиб, уни чайнасангиз, баҳри дилингиз очилади. Ахир демишлар, **мисраъ**: Талхии бодомро шакар талофи мекунад (Бодом тахирлигини шакар босиб юборади); Бир ой шу тартибда сузиб, Қоҳира шаҳрига кириб бордик.

Фақирнинг Қоҳира шаҳрида истиқомат қилгани зикри

Қирғоққа чиққач, шаҳардаги биродарларим бундан хабар топиб, йиғилиб келишди. Қайтганимдан Кошиф афанди ҳам воқиф бўлиб, у ҳам келди. Ўтириш зиёфати ясаб, бир-биримизнинг ғаму шодлик кунларимиз ҳақида суҳбатлар курдик. Қаранг, ўтиришимиздан биродарим Моҳир афанди ҳам хабар топиб, бирпасда етиб келди ва икковлон қучоқлашиб кўришдик. Дўстим баланд мартабаларга эришибди, эътибор-хурмат авжига ўрнашиб, подшоҳнинг яқини ва ишончли кишисига айланибди. Буни эшитиб, турмуши ва ишлари ривож олганидан жуда хурсанд бўлдим.

Бир неча муддат шу зайл ўтгач, фақирингиз бир куни Қасри айнга бориб, ул паризодхонада тура бошладим ва у ерда сулс хатини ўрганиш машқига киришдик. Жонажон биродарим Моҳир афанди гоҳида фақирни ўз қасрига чорлар ва ўтган-кетганлардан сўзлаб берарди. Гоҳида эса менинг манзилимга ташриф буюрар эди. Кунларни шу тариқа ўтказардик.

Фақирнинг Муҳаммадали подшоҳ билан суҳбат қургани зикри

Муҳаммадали подшоҳ Искандариядан қайтгач, вазирлик паноҳи Ҳабиб афанди ва Кошиф афандилардан камина ҳақида эшитиб, мени ўз ҳузурига чақиртирди. Ўша вақтда Қасри айнда ўтирсам, подшоҳнинг иккита *маҳрами* келди ва «подшоҳ афанди Сиз жанобини чақирмоқдалар» дейишди. Фақир дарҳол подшоҳлик қалъаси томон юзландим. Қўрғонга яқинлашиб, унинг шаҳар ўртасидаги жуда баланд ва тошдан йўниб ясалган қалъа эканини кўрдим. Бу қалъа Юсуф Салоҳиддин¹⁶⁸³ томонидан қурилган иморатлардан бўлиб, у Юсуф *алайҳиссалом*дан сўнг бир неча йил Мисрда подшоҳлик қилган. Қалъага киргач, бу тоғ янглиғ қалъа тўрига қараб юра бошладим ва бир ерда устига тош териб қурилаётган кудукни кўрдим. Қурилишни мардикор ишчилар амалга ошираётган эди. Бунинг ўша Зулайхо Юсуф *алайҳиссалом*ни тухмат билан ташлатган чуқур эканини англадим. У ердан ўтиб, қалъа ичидаги иморатларнинг барчаси олий бир қурилишлар эканини кўрдим. Муҳаммадали подшоҳ қасрига етишгач, ниҳоятда кенг бир майдон ва унинг атрофидаги ҳаммаси бутунича мрамар тошдан қад кўтарган олий қасрларга кўзим тушди. Уларнинг ҳар бирида амалдорлар ва надимлар ўтиришибди. Қаср ичига киргач, бир томонида ҳар хил дарахтлар ўтқазилган олий бир чорбоғ борлиги, бир томони эса шаҳар эканини билдим. Барча деразаларига фарангий шишалар солинган ва шаҳар тарафига қараб очиладиган тарзда ўрнатилган. Гўё шаҳар бутунлигича шу қаср остидадек кўринарди. Қаср тўрида катта бир хона бўлиб, шифти тиллодан қурилган. Жуда шаффоф хона. Уч томони эса чунонам нақшланганки, ўз замонида бундай безакни на Моний¹⁶⁸⁴ кўрган, на Беҳзод¹⁶⁸⁵ эшитган. Хонанинг бир томон девори мрамар тошдан тикланган ва унга дарахт суратини ўйиб чизишган. Гулкоса расмларини мрамарнинг ўзидан тарошлаб йўнишган, косалар ичида сувлар оқади, аммо, ерга ундан бир томчи тушмайди. Хона ўртасида бир ҳовуз

¹⁶⁸³ Юсуф Салоҳиддин – султон Салоҳиддин ибн Нажмиддин Аюбий (1138-1193 й. яшаган. Ҳукмронлиги 1171-1193). Шимоли-Шарқий Африка, Яқин Шарқ, Арабистон ва Анатолияда ҳукм сурган аюбийлар сулоласининг биринчи ҳукмдори.

¹⁶⁸⁴ Моний – Моний ибн Фатак (тахм. 216 - тахм. 277) монийяк таълимоти асосчиси. 3-а.нинг 30-й.ларида Эрон, Ўрта Осиё, Ҳиндистонга сафар қилиб, буддизм, брахманизм ва бошқа динлар билан танишган. Кейинчалик ўз таълимотини тарғиб этган. Бу таълимотни Эрон шоҳи Шопур I қувватлаб, уни христианлик ва маҳаллий динларга қарши қўйган. Моний зардушт кохинларининг қаршилигига учраб, Эрондан қочишга мажбур бўлган. Унинг тарафдорлари Ўрта Осиё, Миср, Шарқий Туркистон (Синьцзян), Рим империясининг шарқий вилоятларида кенг тарқалган. 273 й. Моний Эронга қайтган, бир оз вақтдан сўнг қатл қилинган. Турли ривоятларда Монийнинг ўз даврида истеъдодли наққош, рассом ҳам бўлгани ҳақида ҳикоя қилинади.

¹⁶⁸⁵ Беҳзод – Камолиддин (1455-Ҳирот-1536) буюк миниатюрачи мусаввир, Шарқ уйғониш даври етук санъаткори. Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси; музаҳҳиблар етакчиси, устози. «Иккинчи Моний» деган фахрий унвонга сазовор бўлган.

яшашган, ўртасига эса битта фаввора ўрнатишган. У дилбарлар каби бўй чўзганча тепага сув пуркаб турибди, аммо, бу билан ҳовузнинг суви камаймайди ҳам, кўпаймайди ҳам. Мармар тошларни бир-бирига худди яхлит бир тошдан йўнилган каби улаб чиқишган. Чапдаст усталар бу қаср қурилишида ҳеч бир сеҳргар эшитмаган ва кўрмаган тарздаги маҳорат билан санъат ишлатганлар. Ул қаср томошасидан ҳангу манг бўлиб қолдим. Шу чоғда биродарим Моҳир афанди келиб қолди ва мен билан сўрашишга тушди. Ногоҳон, Муҳаммадали подшоҳ ўз ҳарамидан ташқари чиқиб, кўзи менга тушгач, ёнига чақирди ва кучоқлаб кўришди, сўнг ёнига ўтқазиб, ҳол-аҳвол сўради. Жуда марҳамат билан муносабатда бўлди. Мен ҳам бу пайтга келиб, арабий тил ва румий туркийсини анча ўзлаштириб, бинойидек гапирадиган бўлиб қолгандим. Фақир ҳам подшоҳлар билан қилинадиган муоамала одобини ўрнига қўйиб, ул зот буюклигига яраша сўзладим, қайси борада сўз борса, ўшанга муносиб жўяли жавоблар бердим. Сухбатимиз жуда қизиқ кетиб, ўтиришимиз тўрт соат давом этди. Ниҳоят «Муҳаммадҳакимхон, Сиздан илтимосим шуки, ушбу вилоятда яшаб қолсангиз, нима керак бўлса, айниқса, дунёвий неъматлардан нима лозим бўлса, ҳаммасини муҳайё қиламан. Ҳозир эса бизга йўлдош бўлиб, Искандарияга ташриф буюринг» деди.

– Айни кунларда каминангиз Қасри айнда сулс хатини ўрганиш билан машғулмен. Бир неча кундан сўнг дарсларим ниҳоясига етади. Агар рухсат берсалар шундан кейин хизматларида бўлсам, – дея жавоб бердим. Аслида бундан менинг мақсадим ҳозирча паризодхонани тарк этмаслик эди. Подшоҳ гапимга кулоқ осиб, ризолик берди ва дарҳол мусофир сифатида давлатнинг ойлик нафақасини тайин қилди ва устига уч юз адлия инъом қилиб, кетишимга рухсат берди. Фақир подшоҳдан жавоб олгач, манзилим сари қайтдим ва ишларим билан машғул бўлдим. Бир неча вақт шу зайл ўтди. Бир куни Муҳаммадали подшоҳдан «вазирлик паноҳининг ўғли Мухрдор афанди қирқ нафар билимдон ғулом болани олиб, илми ҳандаса ва бошқа шу каби ғариба илмларини ўрганиш учун Фарангистонга борсин. Уларнинг ўқиши етти йил давом этиб, сўнг ватанга қайтадилар» деган мазмунда фармон келди. Улар бу буйруқни эшитгач, тайёргарлик ишлари билан машғул бўлишди. Бу савдо орзуси фақир кўнглига ҳам тушиб, Фарангистонга кетиш ҳозирлигини кўра бошладим. Вазирлик паноҳи Ҳабиб афанди ҳам фикримни маъқуллади.

Фақирнинг Фарғона мамлакати аҳволини иккита қаландар боладан Козаи Зулайхо, яъни Зулайхо чайласи мавзесида сўраганим зикри

Бир куни фақирнинг йўли Миср бозори томон тушди ва анча сайр қилгач, наввот бозорига қараб юрдим. Бу ер бироз холи жой бўлиб, Зулайхонинг Юсуф *алайҳиссалом* йўлини пойлаб, камишдан бир коза-чайла қурган жойи шу ер эди. Чайла қўйилган ер ўрнини ҳозирда очиб, бўш майдон қилиб қўйишибди. Ўша ерда Мовароуннаҳр аҳлидан икки кишининг бир-бири билан гаплашиб ўтирганини кўрдим. Салом бериб, ёнларига ўтирдим. Улар мени ерлик халқ либосида кўриб ва тилимнинг ўзлариники каби эмаслигидан фақирни румлик бир киши ўрнида қабул қилишди. Улардан «қаерликсиз» дея сўрадим. Улар эса «биз Турон иқлими халқидан, аниқроғи, Фарғона шахриданмиз» деб жавоб беришди. Мен бу вилоят аҳволи ҳақида сўраганимда эса «сайидлик ва нажиблик паноҳи Жаҳонгирхожа мамлакатимиз пойтахти Хўқанддан чиқиб, Кошғар вилоятига қарашли еттита шаҳарнинг ҳаммасини қўлга киритиб, фармонраволик иши билан машғулдир» дейишди. Бу хабарни эшитган заҳоти беихтиёр кўнглим яйраб, хурсандлигимни билдириб қўйдим. Сўнг «ҳозир сизларнинг амирингиз ким, исми нима» деб сўрадим.

– Эй, қўйинг, амиримиз ҳақида сўраманг, – дейишди мунгли оҳангда. Тағин бу ҳақда сўрасам, улар яна худди аввалгиси каби жавоб беришди. Фақир қайта-қайта сўраб, холи жонига қўймадим. Ниҳоят «Муҳаммадалихон кофир» дейишди. Бу иборани эшитиб, яна ёлворганча «ўз ҳокимингизни кофир дейишингиз сабаби нимада, қайси далилга асосланиб бундай демокдасиз» деб сўрадим. Улар тағин айтмасликка ҳаракат қилишди. Лекин ўз ҳолларига қўймадим. Сўрайвердим. Қарасалар мендан бирон нарсани яшириш имкони йўқ, бўлмаяпти. Ноилож «онасини ўйнаш қилиб олган, яна нимасини сўрайсиз» дейишди. Бу сўзларни эшитгач, қаттиқ ўйга чўмдим. Демак, у нобакор борасида қилган ўша гумонларим тўғри бўлиб чиқибди. Хотирға ушбу **байт** келди:

Акнун ду сад фаришта накў гўядат чи суд,
Дар шаҳрҳо ҳикояти бадномии ту рафт.
[Энди сени икки юз фаришта яхши деса ҳам фойдаси йўқ,
Чунки шаҳарлар бўйлаб ёмонлигинг доврўғи ёйилиб бўлган].

Улар фақирни бу ҳолатда кўргач, ҳайратлари ошиб: – Аввалги гапимиз бўйича хурсандлик изҳор этишингиз, иккинчи гапимизда эса ғам-ғусса билан ўйга ботишингизнинг сабаби нимада? Ёки

Сиз ўша бизнинг вилоят аҳлиданмисиз? Ёки саёҳат расми билан у ерларга борганмисиз? – дея сўрашди. Мен: – Ул диёрга бормаганман ва у ер ҳақида эшитмаганман. Аммо, олий насаб бир хожа биродаримизнинг ислом юртлари чегарасига тўғон бўлиб, кофирнинг йўлини тўсганча дин йўлида жиҳод қилиб юрганидан бир мусулмон сифатида жуда хурсанд бўлдим. Аммо, аҳли ислом вилоятининг ҳокими ўз онаси билан уятсизларча яқинлик қилиб юрганини эшитиб, бу сўзлардан бир мусулмон сифатида кўнглим ғаш бўлди, дин юзасидан хафагарчилик изҳор қилмоқдаман, – дедим. Улар бундай жавоб сўзларимни тинглаб, гапимни тасдиқлашди ва ватандошлари эмаслигимга ишонч ҳосил қилишди. Фақирдан «мабодо Ҳакимхонни танимайсизми, шу юртларда эмиш, аммо, аниқ қаердалигини билмаймиз» деб сўрашди. Мен: – Жуда яхши танийман, ҳа. У киши билан иккаламиз бир тану бир жонмиз. Аммо, шу кунларда Фарангистон сафарига кетиш остонасида турибди, – дея жавоб бердим. Фақирдан бу сўзларни эшитгач, хафа бўлганча: – Бизлар у кишини кўриш орзусида эдик. Чунки ул зот вилоятимизнинг улуғзода ва шариф кишилардан, – дейишди. Улар кўнглига таскин бериб: – Ташвиш тортманг, яқин орада кўриб қоласиз, – дедим.

Яна анча вақт суҳбатлашгач, улар олдидан туриб, Қасри айн томон кетдим. У ерга етишгач, кўнглига Кошғар вилояти ғазовоти ҳаваси тушди. Фарангистон сафари фикрини миямдан чиқариб ташладим. Тағин хат машқига қаттиқ киришдим. Бир неча вақт шундай ўтди. Шу орада Мовароуннаҳрга қайтмоқ фикри ҳам ҳеч ёддан чиқмади. Бироқ, илм даргоҳи саналмиш илмлар даргоҳи «парихона»дан қай йўл билан кўнгли узиш ва у ерни тарк этишни билмасдим.

Фақирнинг биродарим Моҳир афандининг Миср маликасига ошиқ бўлганидан хабар топганим зикри

Бир куни дилим танг бўлганча ёлғиз ўзим уйимда неча бир ғам билан ўтирган эдим. **Байт:**

Дасти талаб аз домани сўхбат магсил,
Танҳо маншин ки бими девонаги аст.
[Талаб қўлини суҳбат этагидан айирма,
Ёлғиз ўтирма, унда жиннилик хавфи бор].

Кутилмаганда сарви хиромон дўстим Моҳир афанди кириб келди. Дўстим билан яна учрашганимдан хурсанд бўлдим, аммо, унинг пешонасида ғам-ташвиш аломати кўриниб турарди. Шу сабабли «эй жонажон дўст, сени жуда паришон ҳол кўрмоқдамен, сабаби нимада» деб сўрадим. Унинг ўзи ҳам шу саволимни кутиб турган экан, дарҳол: – Эй биродар, бир бедаво дардга чалинганимга мана бир неча кун бўлмоқда. Бошимни тафаккур ёқасига тикиб, қанчалик ўйланмайин, ҳеч ўйим тагига ета олмаяпман ва бу дард давоси учун ҳеч бир чора топа олмаяпман. Ноилож шу маслаҳат бўйича сенинг ҳузурингга келдим. Бир бало қилмасанг бўлмас, – деди. Мен эсам: – **Мисраъ:** Ҳарчи муроди ту бувад, ҳаст муроди ман (Сенинг муродинг не эрса менинг муродим ҳам шудир), – дедим. У эса гапга тушди: – Муҳаммадали подшоҳнинг Ҳурлиқо хоним отлиғ бир қизи бор. Ул юзи куёшдек, тим қора мушк ҳидли сочи эшиб-тобланганча шу гулранг юзи устига тўкилган, дилбарлик бош кийими ва шоҳлик тожи бошига эгри қилиб қўндирилган, анбар қошининг икки ёйи яхши бахтлилар пешонаси каби очик парига менгзар қизни Дафтардор афанди лақаби билан танилган бир бадбашар, хунук гавдали, шайтон кўринишли, дев сийратли қариндошига турмушга беришмоқчи. Шу сабабли ул пари чехра манқалдаги оловга тушган исирик каби жизғанақ бўлиб куяркан, куёвга майл билдирмади ва ўзини бундай яқинликдан четга тортди. Муҳаммадалихон Нил дарёси соҳилида ер юзида тенги йўқ жуда гўзал ва сўлим бир чорбоғ қурдирган. Бу боғ чапдаст моҳир усталарнинг етти йил давомидаги тинимсиз ишлари натижасида қуриб битказилган. Девон аҳлининг ҳисоб-китобига қараганда, унинг қурилишига уч юз минг тилло пул сарфланган. Ҳозир ул пари юзли хурлиқо қиз ўзининг тўрт юз нафар ой юзли, анбар сочли канизлари билан ул жаннат монанд манзилда ўйин-кулги ва дам олиш билан машғулдир. Иттифоқан, кунлардан бир кун неча бир дабдаба билан шаҳардан қасрига қайтаётган маҳал йўл асносида мени йўлиқтириб, ишқим ўқиға дуч келибди. Аммо, мен бу воқеадан беҳабар эдим. Ўша кунисиёқ маккора қосидларни кетма-кет қимматбаҳо матоҳлар билан олдимга юбориб, мен билан учрашиш мақсадида эканини билдирди. Мен эсам қўрқувдан сўзларини қабул қилмай ўтирдим. Эндиликда унинг бу ишлари меъеридан ошди ва чегара чизиғидан чиқди. Бу борада қандай чора топишимни билмай қолдим. Айтмишлар, **байт:** Ҳар шабе гўям ки фардо тарки ин савдо кунам, Тоза месозад ҳавояш ҳар саҳаргоҳам дигар (Ҳар оқшом эртагаёқ бу савдога чек қўяман дейман, Аммо, ҳаваси ҳар саҳаргоҳда янгича бўлади), – деди Моҳир афандим.

Дўстимнинг бу сўзини эшитиб, узок ўйга толдим ва сўнг: – Эй жонажон дўст, кўнглингда ўрнашган бу не хом савдо эрур. Бу фикрингдан қайт, бекорчи гапларни қўй. Ахир улуғларнинг

«бировнинг уйидан туз еб, тузлиғига тупурма» деган ҳикматли сўзларини эшитмаганмисан. Ҳеч қачон дилинг сари бундай бўлмағур фикрларга йўл берма. Акс ҳолда бутун олам аро расво бўласан. Чунончи, **байт**: Ман ончи шарти насиҳат буд, ба жо орам, Агар қабул куни в-ар на он ту медони (Насиҳат шарти бўйича лозим бўлганини адо этдим, Қабул этсанг эт, бўлмаса уни ўзинг биласан), – дедим. Ул биродар мендан бу жавобни эшитгач, қабул бармоғини кўзи устига сурди ва ўз қасрига кетди. Дўстимнинг ниҳоятда чиройли бир ғуломваччаси бор эди, икки кундан сўнг ўша бола олдимга келиб «хожам Моҳир афанди қадамингизга мунтазир ўтирибдилар» деган хабарни етказди. Фақир ҳеч тўхтовсиз шаҳар сари юзландим. Дўстим яшаётган қасрга етгач, биродарим олдимга пешвоз чиқиб, кутиб олди. Биргаликда хонага кирдик. Тузалган дастурхондаги лаззатли таомлардан тановул қилингач ва яхна шарбатлардан ичилгач, дўстим тағин ҳалиги мавзуга қайтиб: – Эй биродар, мени ул малика ўз ҳоли-жонимга қўймапти. Шу охириги икки куннинг ичида етти марта олдимга одам жўнатди. Ҳозир яна хабарчиси келмоқчи, – деди. Моҳир афандим бу сўзларни тугатиб-тугатмай кутилмаганда эшикдан бир кампир салом берганча кириб келди. Жоду шамсияси¹⁶⁸⁶ билан йиллаб бир ерда турган ва даҳр кампири ундан найранг усулларини ўрганган бу маккора ёнида иккита ой юзли, сумбул сочли канизак қизлар ҳам бор эди. Келиб бирга ўтиришди ва бироздан сўнг Моҳир афандига юзланиб, мен ҳақимда «бу киши ким, қаердан келган» деб сўради. Ул жонажон биродар «менинг оғо-иним, ундан яширадиган ҳеч бир сирим йўқ» деркан бу **мисраъ**ни ўқиди: Рози ман махфи набошад пеши ин ғамхори худ (Менинг сирим яширин эмасдир бу ғамхўрим олдида); Ул маккора кампир дўстимдан бу сўзларни эшитгач, кўнглини мендан тўқ тутиб, биродарим билан сўзлашувни бошлади ва деди: – Миср бонуси ҳузурига айтиб юборган ҳар бир хабарингизни, ул маликага батафсил арз қилдим. Жавобида, унинг ақлу заковати етук бир даражада, аммо, билсинки инсон ишқи ҳар қандай тузоққа ҳам илинаверадиган қуш эмас, кўнгил олди тўғон билан тўсилаверадиган тошқин сув эмас. Агар отам Муҳаммадали подшоҳнинг ўлдиришидан кўрқиб, менга шу сабабли қарамаётган бўлса, билсинки, у ҳолда отамдан олдинроқ ул қадримга етмаётган йигитни ўзим неча бир хорлик-зорлик билан ўлдириб қўя қоламан. Бу каби бекорчи гаплар ишқим йўлида тўсиқ бўла олмайди, дея бу оқшом қадамингизга мунтазир ўтирибдилар. Мабодо, худо кўрсатмасин, ушбу оқшом қадам ранжида қилмасангиз, ҳолингизга маймунлар йиғлаши аниқ.

Бу сўзларни ул маккора оғзидан эшитгач, ҳар иккаламиз ҳам ҳайрат гирдобига чўмдик. Аниқ билдикки, бу хаёл ниҳоли ул пари чехранинг бутун вужудига чирмашган. Уни энди ҳеч бир чоратадбир билан суғуриб олишнинг имкони йўқ. Ул биродар менга юзланиб «нима дейсан» деб сўради. Фақир жуда ҳам кўрқиб кетганим ва қийин аҳволда қолганимдан шундай сўз бошладим:

– Вақтга тўғри ва тақозога мос ҳол шуқим, жаҳон маликаси билан яхши муомала қилишинг лозим ва унинг сени тилашини бахтинг чопгани ўрнида бил. Бу саодат осмонининг Ҳумосини тузоғингга илинтир ва бу яхшилик буржининг ойини қўлингга кирит. Юлдуз ой билан зийнатлидир ва яшиллик гулу чечак билан тароватлидир. Аммо, бу сен қайнатаётган таманно қозони ва бу сен дилинг даласига экаётган ҳавас на тузоғингга тушувчи ул Ҳумодир, на чаманингда очиладиган ул чечакдир.

Фақир бу сўзларимни тугатгач, ул айёр кампир ва ул ой баданли каниз менинг жавобимдан терисига сиғмас даражада хурсанд бўлишди. Ул соддадил биродарим эса маслаҳатли сўзим мағзини чақа олмай, дарҳол қабул бармоғини кўзи устига қўйди ва менга қараб «оёқ билан эмас, бошим бирлан юриб бораман, лекин, шартим шуки, сен ҳам менга йўлдош бўлиб, бирга борасан» деб қолди.

– Жон биродар, нима бало, молухолиё касалига мубтало бўлганмисан, бундай бўлмағур сўзларни айтаяпсан? – дея ушбу **мисраъ**ни ўқидим: Фикри зоҳид дигару савдойи ошиқ дигар аст (Зоҳиднинг қарашлари бошқача-ю, ошиқнинг ишлари ўзгача); Шундай деб дарғазаб ҳолда ўрнимдан сакраб турдим. Ташқарига чиқиб кетмоқчи бўлган эдим, ул биродар ўтга тушган исирикдек сапчиб ўрнимдан кўпди ва қўлимдан ушлаб, жойимга ўтқазди ва ул икки қосидга қараб «мени малика олдида олиб боришни хоҳласангиз, манави кишини ҳам қаср эшигигача бирга элтиб, яна иккаламизни бирга қайтариб келасиз, бўлмаса, боришимнинг ҳеч имкони йўқ» деди.

Фақирнинг Миср маликаси зиёфатини томоша қилиш учун биродарим Моҳир афанди билан бирга боргани зикри

Ул маккора хотин биродаримдан бу каби сўзни эшитгач, деди: – Эй фарзанд, малика чорбоғининг ташқарисида жуда шинам ва кўркам бир уйим бор, тинчгина ва пашша учса қаноти

¹⁶⁸⁶ Шамсия – соябон, чатр, зонт.

куядиган хавфсиз жой. Буёғидан кўнглинг тинч бўлаверсин, бу ишдан инсон зоти хабар топа олмайди. Биродаринг кўнгли ва ҳам олам маликаси хурсандлиги учун қадамингни бироз ранжитиб, озорга қўйсанг нима қилибти? Ахир бу бирдамлик нишонаси, ҳамдардлик намунаси эмасми?

Кампир шуларни дея, ўз сўзида қаттиқ туриб олди. Ул соддадил биродар ҳам шу илтижо билан камина ёқасига маҳкам ёпиша қолди. Қанчалик бормасликка узр сўраб, илтимос қилмайин, фойдаси бўлмади. Ниҳоят, бўйнимни эгиб, ризолик бошини қимирлатдим ва уларга қўшилганча қасрдан чиқиб, шаҳар ичида аста-секин пиёда одим ташлаб кетавердим. Ўшанда шомдан уч соат вақт ўтган эди. Бирор соатдан сўнг Шоми шариф дарвозасидан ташқари чиқиб, хандақ қирғоғига етдик. Қарасам, пастки дудоғи то киндигигача осилган бир ҳабаш ғулом турибди. Башарасини кўрган дўзах хожайинлари ҳам ундан минг бор ижирғанишарди. Ул ҳабаш икки хачир билан ҳалиги аёлларни кутиб ўтирган экан. Бизни кўра солиб, хачирларни биз томон етаклаб, ўтиришимиз учун тутди. Фақир Моҳир афанди билан битта хачирга мингашдик, ул икки хотин эса яна бир хачир устига чиқдилар. Шу кўйи чорбоғ йўли сари юзландик. Шаҳардан чорбоққача бир фарсах йўл экан. Тез-тез юриб, бир соатда етиб олдик. Чорбоғ девори ниҳоятда улкан ва баланд бўлиб, кунгурасини Сурайё юлдузига суркаб турарди. Ўша ерда хачирлардан тушиб, кампирнинг уйига кирдик. Кампир бизни каниз билан бирга қолдириб, ўзи ҳарам сари юзланди. Бирор соатдан сўнг кампир қимматбаҳо либосларни кийиб, тўртта анбар сочли каниз билан келиб қолди. Билишимча, хойнаҳой, унга бу кийимларни бонуси бугунги ишлари эвазига мукофот тариқасида берган. Кампир Моҳир афандига юзланиб «туринг, малика Сиз жанобларининг келишини кутиб ўтирибдилар» деди ва сўнг менга қарата «малика, меҳмон хуш келибди, деб юбордилар, Сиздан жуда миннатдор ва хурсанд бўлдилар» деди. Фақир ҳам ғойибона тарзда унинг таъзимини бажо келтирдим. Сўнг ул маккора Моҳир афандига «ҳозир посбон ва дарвозабонлар уйғоқ ўтиришибди, базмга шундоқ кириб боришингизнинг имкони йўқ» деди. Моҳир афанди эса ушбуни айтди, **мисраъ:** Иложи мо ту беҳ медони аз мо (Ишимиз иложинини биздан кўра сен яхшироқ билурсен); Ул маккора дарҳол катта бир сандиқни муҳайё қилди ва Моҳир афандининг шу сандиқ ичига киришини сўради. Ул биродар ҳаддан зиёд кўрқувдан тол каби қалтирар ва зир-зир титрар эди. Менга қараб деди, **мисраъ:** Мурғи зийрак чун ба дом афтад таҳаммул боядаш (Зийрак қуш тузоққа тушса чидаши лозим); Биродарим чор-ночор сандиқ ичига кирди ва ул маккора кампир сандиқни қулфлади. Фақирни уйнинг бир бурчагига яшинтириб, бир неча посбонни ёнига чақирди. Улар келгач «бугун малика фаранг молидан бир неча сандиқ сотиб олган эди. Мен келтириб, анави ерда қўйгандим. Ҳозир кўнгиллари ана шу газламаларни томоша қилишни тусаб қолибди. Тез бўлинг, сандиқни кўтариб, малика ҳузурига борамиз» деди. Шайтонга менгзар ул қуллар қабул бармоғини кўзларига босиб, сандиқни кўтарганча кампир ва канизлар билан бирга ҳарамга қараб кетдилар. Фақирни ёлғиз қолдиришди. Кампирнинг кўр эри бор экан, мен билан араб тилида ҳар тўғрида сўзлашиб ўтирди. Кампирнинг канизлари олдимга турли-туман овқат ва шарбатлар келтириб қўйишди. Шу зайл ул кўзи ожиз қария иккаламиз қизиқарли суҳбат билан ўтиришни роса қизитиб ўтирган эдик, яна ўша кампир иккита каниз билан кириб келди ва «туринг, малика Сизни ҳузурига чорламоқда» деди. Ул маккорадан бу сўзни эшитган заҳоти жонимдан умидимни узиб қўя қолдим.

– Эй меҳрибон онажон, мени ўз ҳолимга қўй, қийнама, то худо сени ҳам азобга қўймагай, – дедим ўтиниб.

– Нима, жинни-пинни эмасмисиз? Туринг ўрнингиздан, бекорчи гапларни сўзламанг. **Мисраъ:** Ин ноз ба хонаи падар мебояд кард (Бундай ноз қилиш отанинг уйида ярашади]. Маликамиз Хожа Ҳофиз Шерозий ғазалларидан бир неча байт ва Саъдийнинг «Гулистон»идан айрим нарсаларни Моҳир афандидан сўраганди, у кишим бундай саволлар олдида ожизлигини билдирдилар ва «менинг форсий тилдан хабарим йўқ, биродарим хожи Муҳаммадҳақимхон бу тилни яхши билади» деди. Шунга кўра замон бонуси Сизни сўрамоқда, – деди кампир.

Фақир қанчалик ёлвормайин, натижаси бўлмади ва тақдирга тан бериб, кампирнинг йўл-йўриғи бўйича сандиқ ичига кириб ётдим. Олдингиси каби дарвозабонлар келиб, сандиқни бошларига кўтарганча, ҳарам сари юзланишди ва посбонлар йиғилиб турган ерга етишдилар. Шунда, аксига олиб, каминани қаттиқ йўтал қистади ва аҳволимни танг қилиб, минг бора қатл қилсалар ҳам йўталгим келди. Аммо, ноилож, тишимни-тишимга қўйиб, чидадим ва ўзимни зўрға ушлаб йўталдан тийдим. У ердан ўтиб, қаергадир етгач, сандиқни ерга қўйишди ва ўзлари қайтиб кетишди. Кампир сандиқнинг оғзини очди ва фақир сакраб ўрнимдан турдим. Хаёлимга тонг отгандай туюлди. Аммо, яхшилаб разм солсам, чорбоғни чунонам чароғон қилишибдики, ёруғлиги жаҳонни кезувчи қуёш нурларидан ҳам неча марта равшанроқ эди. Чорбоғнинг ҳар томонига саккизга-саккиз тарҳи бўйича қатор йўлак-хиёбонлар тортишган. Чорбоғнинг катталиги тахминан юз танобча чиқарди чамаси. Шу тобда ҳаммаёғи кундуз кунидек ёруғ бўлиб, боғнинг ҳар бурчаги аниқ кўриниб турарди. Хиёбоннинг

икки четига ҳаммасини бир қолипдан қуйгандек қилиб жуда кўп сарв дарахтлари ўтқазилган. Бири-биридан катта ҳам эмас, кичик ҳам. Ҳар томонда биттадан олмос шишадан тарошланган катта қандил ўрнатилган, шамдонини олтиндан тўти шаклида яшашган ва ҳар фонус ичида бир нечтадан шам ёқилади. Хиёбон йўлаклари товук тухумидек ҳар хил рангдаги тошлардан терилиб, ганж ва қум билан дарахт суратида ётқизишган, қараган кишига гўё ерга дарахт суратини чизиб қўйгандек кўринади. Хуллас бу боғни кўрган одам гўё ер юзига беҳиштнинг бир парчаси тушган, деб гумон қилади. Сарвақад дилбарлар каби бўй чўзган фавворалар оби ҳаёт каби мазали сувларни ҳар тарафга сачратиб турибди. Чаман-чаман латиф гуллар турли-туман очилган, қанча-қанча ҳосилли дарахтлар салқин сояларини ер боши узра ёйган ва булбул чаҳ-чаҳи арғанун ва арғувоний боданинг ишини қилмоқда, сабо фарроши майсаларнинг тоза палосига кўнгил очар тарзда тартиб берган. Хулласи калом, ул маккора кампир йўл бошловчи бўлиб, фақирни чорбоғ ўртасидаги бир бурчакка элтди. У ерда ой баданли канизлар гуруҳ-гуруҳ ўтириб, ўз ўйин-кулгулари билан банд эдилар. Кампир фақирни улар олдида қолдириб, ўзи малика ҳузурига чопди. Канизлар фақирни ўртага олиб, сўз сўрашар ва ўз меҳрини улашардилар. Шу чоғда иккита ой юзли, анбар сочли каниз тез ва енгил юриб, олдимга келишди ва «Сизни малика чақирмоқда» дейишди. Фақир сакраб ўрнимдан турдим ва канизлар билан қаср зиналаридан юқори кўтарилдим. Канизлар «бону, меҳмон дастлаб қасрни томоша қилсинлар, ҳузуримизга шундан сўнг келадилар, дб буюрдилар» дейишди. Фақир бажону дил қабул қилиб, улар ҳамроҳлигида қасрни кўришга тушдим. **Маснавий:**

Имороти рафиъаш тоқ бар тоқ,
Фиканда сояйи шўҳрат бар афлок.
Ними Миср бошад гарди роҳаш,
Чу об ояд барун Юсуф зи хокаш.
[Баланд иморати тоқи устма-уст,
Шуҳрат соясин солмиш осмонга.
Мисрнинг ярми йўли чангига арзир,
Суви ташқари чикса, Юсуф тупроғидан].

Қаср чорбоғнинг ўртасида жойлашган эди. Тўрт таноб ердан икки найза бўйи оқ мармар тошдан ишлаб чиққанлар. Қасрнинг тўрт томонидан чорбоғ тарафига эшик очиб, зиналарини мармар тошдан яшашган. Тўрт бурчагига катта-катта тўртта хона тушган. Деразаларига фарангий шишалар солиб, ўрнатишган. Ҳаммаси чорбоғ томонга қараб очилади. Хоналардан биттаси бутунлай ойнаванд қилинган. Бошқалари оқ мармардан бўлиб, бир-бирини такрорламаган ҳолатда ислимий ва мадохиллар билан ўйиб нақшланган. Улардан биттасига етти хил рангда жуда нафислик билан бутун оламдаги жонли жонзотлар тасвири чизилган. Яна биттасида маликанинг ўзи ўтирибди. Қасрнинг барча атрофига айвон ва баланд меҳробсимон кайвонлар қурилган. Улардаги нақшларнинг бариси олтин ва ложуварддан, ҳар томонида жуда силлиқ йўнилган ва ҳаммаёғига чиройли нақшлар чизилган мармар тошдан ўттиз иккита устун ўрнатилган. Қаср ўртасида бир таноб жойга ҳовуз қазишган, ҳаммаёғи мармар тошдан, унинг тўрт бурчагига бир хил шаклдаги тўрт шер ҳайкалини мармардан йўниб яшашган. Кўрган одам уларни тирик деб ўйлаши ҳеч гап эмас. Шерлар оғзидан фаввора каби сув сочишади. Яъни уларни фаввора ўрнида қўйишган. Тўрттала шернинг оғзидан ҳам шиддат билан отилаётган сув ўн газ тепага кўтарилгач, яна қайтиб ҳовузга тушади. Ҳовузнинг ўртасида тагин алоҳида бир ҳовуз бор. У ҳам мармар тош билан ишланган. Катта ҳовуздан бир одам бўйича баланд ва унга ўттиз иккита тимсоҳ, яъни наҳанг суратини мармардан ясаб ўрнатишган. Бу тимсоҳ ҳайкаллари кичик ҳовузни елкаларига кўтариб туришибди. Тимсоҳлар оғзидан ҳам сув фавворалари отилиб, катта ҳовузга қуйилади. Бу кичик ҳовуз ичида ҳам бир фаввора қурилган. У жуда нозик қилиб ишланган. Ундан ҳам сув отилиб, кичик ҳовузга қуйилади. Ҳовуз деворлари атрофига ҳам мармарга ўйилган ҳар хил денгиз ҳайвонлари сурати туширилган. Бу сув тўла ҳовузга сув қаердан келиши ва қаерга кетишини билиш қийин. Қаср биноси бир-бирига уланган мармар тошлардан шундай қад кўтарганки, худди яхлит бир тошдан йўниб қурилганга ўхшайди. Ҳовузни чунонам чароғон қилишганки, шамларнинг акси бутун сувни гўё олов шўъласига ўхшатиб кўрсатади. Фақир ул жаннат кўринишли манзилни бу каби кўркем ва чиройли бир тарзда кўргач, ҳушимдан кетишимга сал қолди. Ўзимни зўрға тутиб турдим.

Алқисса, кўшк сайру томошасидан сўнг ул икки ой чехрали каниз фақирни малика ўтирган хона эшигига олиб келишди. Эшик олдида бир тўда қоракўз, сарвақад канизлар йиғилишиб, хизматга шай туришибди. Малика дарҳол фақирни ўз ёнига чақирди. Эшикдан кириб, салом қилдим ва уларнинг қоидасича «марҳабо» дедим. Малика шоҳлик тожини чаккаси томон эгри кўндирган, тўрт бурчак заррин тахтда ўтирган, эгнига мурассаъ либослар кийганча ҳусни ва подшоҳлигига мағрур

неча бир нозу истиғно билан дилларни ўғирламоқда. Унинг икки томонида ой юзли, анбар сочли қирқ каниз зару симга ғарқ бўлиб, саф тортишган. Ҳар бири бир мамлакат хирожига арзийди. Хонанинг барча нақшлари тилло ва кумуш билан ясалган, жуда гўзал қилиб қуришган. Бир неча жойда кофурий машъаллар ёқиб қўйишибди. Биродарим Моҳир афанди бонунинг тахти остида заррин курсида ўтирибди. Фақир бу ҳолни кўриб, ақлим бошимдан учди. Шу пайт малика кўз қири билан Моҳир афандидан уч газ қуйидаги ердан жой кўрсатди. Фақир жуда одоб ва камтарлик билан заррин кўрпачага ўтирганча бемалол париларни томоша қила бошладим. Ул парилардан биттаси менга жуда яқин ўтирган бўлиб, қулоғимга ушбу байтни шивирлади, **байт:** Гарчи афъи нести, моён зумуррад пайкарем; Пур назар бо мо макун, нуқсон ба чашмат мерасад (Илон бўлмасанг ҳам бизга кўп назар ташлайверма, Биз зумруд баданмиз, кўзингга нуқсон етмасин тағин]. Яъни, мақолга кўра илоннинг кўзига зумрад кўрсатиб кўр қилишади, сен илон бўлмасанг ҳам бизнинг зумраддек танимизга қараш оқибатида кўр бўлиб қолма, тағин; Малика ёнидагиларнинг ҳар бирига бир қараб, турли мавзуда сўзлашиб ўтирарди. Канизларнинг ҳар бири эса ўз қобилиятига яраша жавоб қайтарар эдилар. Биродарим билан ҳам ана шу зайл суҳбат қуларди. Аммо, кўп ўтмай маликанинг қараш ва ҳаракатларидан биродарим билан суҳбатлашиш малика таъбига мос тушмай, зехнига ўрнашмаганини англадим. Биродарим суҳбат қуриш илмидан анчагина беҳабар бўлиб, бу воқеадан илгари эҳтиромли подшоҳларнинг суҳбатини сира ҳам кўрмаган эди. Ахир айтмишлар «мушк дегани аттор мактаб кўрсатгани эмас, балки, ўзидан ис таратувчисидир». **Байт:**

Ғунчаи бодомро гуфтам чарои бе адаб?

Гуфт: ман сахро нишинам, шаҳр камтар дидаам.

[Бодом ғунчасига, бунча одобсизсан, дедим, у,

Саҳройман ахир, шаҳар кўрмаган бўлсам, деди].

Айни айёмда биродарим йигирма икки ёшда эди. Юзининг териси оқ мармардек тиниқ ва силлиқ бўлиб, бу йигит ҳуснига неча чандон хушсуратлик бахш этган эди. Аммо, айтмишлар, **байт:**

Ҳусне ки сафед аст надорад маза чандон,

Ҳамранги намак ҳаст валекин намакин нест.

[Ҳусн оқ бўлса, унча маза таъмин бермас,

Ранги туз тусидадир, аммо, намакин – тотли эмас].

Гапнинг қисқаси шуки, малика биродаримнинг ички дунёсини ташқи гўзаллигига мос ҳолда кўрмабди ва унинг суратини ёқтирса ҳам, сийратидан унча қониқмабди. Ўша чоғда маликанинг олдида иккита китоб очиғлиқ турар ва шатранж тахтаси ҳам терилган, малика эса гоҳ китобларни мутолаа этар, гоҳ секин шахмат доналарини суриб кўярди. Алқисса, ана шу маҳал замон бонуси созанда ва раққосаларни ўз ёнига чорлади. Дарҳол олти нафар пари чехра каниз соз асбоблари билан ҳозир бўлишди, тўрт нафар гулбадан каниз эса рақс қилиш учун сарвдек қадларини бошдан-оёқ зару сим билан безаб, юз-бошларини жавоҳир билан зийнатлаб, оёқ-қўлларига ёқимли товушли кўнғироқча ва шақилдоқлар тақиб, неча бир ишва-ю, карашма билан Миср маликаси олдида сафга тизилишди. Алқисса, малика мутрибларнинг олий бизмни барпо этишлари ҳақида буйруқ берди. Миср маликаси буйруғи янграган замон нағмачилар Жамшид тушида ҳам кўрмаган, Хусрав умрида эшитмаган базм ташкил этиб, мутриблар мусиқа асбобларини чалишга ва канизлар рақсу хиром этишга тушдилар. Фақир бу томошани кўриб, гоҳ ўзимдан кетар, гоҳ ўзимга келар эдим. Бироздан сўнг базм шовқинлари тинди. Малика таом келтиришни буюрди. Шу ондаёқ сарвиқомат дилбар канизлар ҳар хил лаззатли таом ва яхна ичимлик, шарбатлар келтиришди. Фақир ул дастурхонга терилган таомларга тикилиб, уларнинг ҳеч бирини умримда ақалли бир бор ҳам кўрмаганимни англадим, гўё буларни жаннатдан олиб тушгандек эдилар. Хулласи калом, малика олдида эса махсус дастурхон ёздилар. Биродаримга эса маликанинг икки надими билан бирга дастурхон қўйишди. Менга ва кампир билан ҳалиги қоракўз канизга бир дастурхон бердилар. Фақир жуда бир ўзгача шавқу завқ билан таомлардан тановул қилиб, ширин ва яхна ичимликларни кетма-кет сипқориб ўтирдим. Кампир эса ҳазиллашиб «эй ўғил, нима умрингизда таом емаганмисиз» деди. Мен жавобида «ҳа моможон, бунақа таомлардан емаганмиз ва кўрмаганмиз» дедим. Малика бизнинг сўзлашувни эшитиб қолди ва ул нозанинлар сарварини чунонам кулги кўтардики, овқат ейишда давом этаолмай, ночор олдидаги дастурхонни йиғиштириб олдилар. Таом ейишдан бўшагач, ул маликаи хубон менга юзланиб «Ҳакимхон, мен сен ҳақингда илгарироқ эшитган ва таърифингдан огоҳ топган эдим. Мана ўзингни кўриб ҳам ёқтириб қолдим. Энди сендан бир илтимосим бор. Бир нарсани ўта тўғрилиқ билан ҳеч камайтирмасдан сўзлаб беришинг лозим» деди. Фақир бу сўзни эшитган заҳоти сапчиб ўрнимдан турдим ва «эй нозанинлар бошлиғи, айтишим лозим нарсани гарчи бошим кетса ҳам хузурингизда баён қиламан» дедим.

– Қайси баланд ошиёндан парвоз қилиб келдинг, саргузаштингни бошдан-охиргача бир-бир менинг олдимда сўзлаб бер, – деди малика.

Фақирнинг рост гапиришдан ўзга чораси қолмади. Бажону-дил қабул қилдим ва шундан сўнг сўзимни бошладим: – Айём шапалоғини еган ва фалак чавғони таёғи остида эзилган, бахт юлдузи сўнган ва толеъси пастликдан азоб-уқубатларга йўлиққан, бахти қаролиги сабаб аянчли кунларни бошидан ўтказган бир жаҳонгашта қаландарман, – дея, бўлиб ўтган барча воқеаларни батафсил сўзлаб бердим. Малика сўзларимни эшитиб, хайрат бармоғини тишлади ва бошини ўй-фикр ёқасига тикди. Бироздан сўнг бошини кўтарди ва биродарим билан бирга бир дастурхондан таом еган икки канизига қараб «боя мен сизларга айтмабмидим, ҳали бу йигит хойнаҳой улугзода бўлиб чиқади деб, мана кўрдингизми» деди. Улар маликанинг фаросатига қойил қолишганини хушомад юзасидан анча бўрттириб изҳор қилишди ва тинимсиз офаринлар айтишди. Малика мени чақириб, биродарим олдига ўтқазиб кўяркан «форсий шеърлардан ўқиб берсанг, мен форсча шеърлар ошиғиман» деди. Фақир форсча ошиқона шеърлардан анчагинасини маликага ўқиб бердим. Охирида унга ушбу **қитъа** жуда ёқиб қолганини айтиб, дарҳол ёзиб олди:

Ҳануз аввали ишқ аст, иштироб макун,
Дило, ба мақсади худ мераси, шитоб макун.
Ба Рабби каъба қасам медиҳам туро имрўз,
Валек зинда ба даст овари, кабоб макун.
[Бу ҳали ишқнинг бошланиши, итоб этма,
Эй дил, муродингга етарсан, шитоб этма.
Каъба яратгувчисига қасам ичай олдингда,
Қалбим тириклай қўлга кирит, кабоб этма].

Малика сўнг шатранж ва нардни билиш-билмаслигим ҳақида суриштирди. Фақир дедим: – Ҳа, биламан. Бу илмда яхши маҳоратим бор, – дедим. «Нафоис ал-фунун»¹⁶⁸⁷ китобидан шатранж ўйинининг бир неча тур ва усулини ўрганган ва ёзиб олган эдим. Мазкур усулларда анча маҳорат касб этганим учун ўзимга ишонардим. Маликанинг бир канизи бўлиб, саройида хазиначиси эди. Ана ўша шатранж илмида тенгсиз ва беназир бўлиб, барча канизлар устидан ғалаба қозониб юраркан. Малика дарҳол ўша канизни ёнига чақириб, мен билан ўйинга буюрди. Фақир икки гал ўйинда ҳам уни мот қилдим. Қиз уч ерда эгри ўйнаса-да, мени ютишга муваффақ бўлмади. Бу ҳолдан маликанинг хабари бор эди. Шунинг учун ўз ўрнида ушбу **байт**ни ўқидим:

Фарзин зи кажрави шуда бо шоҳ ҳамнишин,
Бечора рух зи рости андар канораҳост.
[Фарзин эгри юришликдан шоҳ ёнидан олди жой,
Бечора рух тўғрилиги сабаб бир четда қолиб кетди].

Бу байтлар ҳам малика юрагига қувонч бағишлади. Шу маҳал бир канизак тез-тез югуриб келиб «соат ўн икки бўлиб қолди, яъни субҳи содиқ ёришди» деди. Фақир шу заҳоти яна **байт** ўқидим:

Субҳ дамиду рўз шуд, ёр ба сўйи хона рафт,
Рўйи саҳар сиёҳ бод, ёр ба ин баҳона рафт.
[Тонг отиб, кун чиқди, ёр уйи томон кетди,
Саҳарнинг юзи қаро бўлсин, ёр шу сабаб кетди].

Фард:

Шаб рафту ҳадиси мо ба поён нарасид,
Шабро чи гунаҳ, ҳадиси мо буд дароз.
[Тун тугади-ю, ҳадисимиз охирига етмади,
Тунда не айб, агар қиссамиз узун бўлса].

Маликага маъқул тушиб, бу байтларни ҳам дарров ёзиб олди. Менга юз ёлдуз, Моҳир афандига юз маҳмудия¹⁶⁸⁸ ни мулукона саруполар билан бирга тортиқ қилди. Мен ҳақимда кўп илтифот ва марҳаматлар кўргузиб, ҳар ҳафтада бир марта ул замон Ширини хузурига келишим шарти билан рухсат берди. Фақир қабул бармоғимни кўзим устига қўйдим ва ул паризоддан кетишга рухсат олиб, ўша кампир ҳамроҳлигида ташқари томон қайтиб кетдим. Чорбоғ дарвозасига етишгач, ул маккора кампир яна ўша тадбирини қўллади ва саройбон-ҳожиблар олдингидек сандикни кўтариб, ул айёр кампир уйига элтдилар. Бизлар сандиқ ичидан чиқиб, улар билан хайрлашдик ва ул дев кўринишли

¹⁶⁸⁷ «Нафоис ал-фунун» асарининг муаллифининг номи маълум эмас. Лекин шундай ном билан асар фехристларда тилга олинган.

¹⁶⁸⁸ Ёлдуз ва маҳмудия – Усмонли Туркиянинг пуллари.

қора танли қул яхши йўрғаловчи икки хачири билан яна олдимизда пайдо бўлди. Хачирларга миниб, тез-тез юрганча қуёш чиқишидан олдин шаҳар дарвозасига етиб олдик. Хачирдан тап-тап тушиб, ул қора танли ғуломга етти тилло бериб, қайтариб юбордик. Ўша маҳал тун Фиръавини Нил саҳарига чўккан, қуёш Мусоси баланд иқболлик осмони чеккасида кўриниш берган пайт эди. Соат тонгги ўн иккидан ошган вақтда шаҳарга кириб, югура-югура ул бало гирдобидан текин-гаров қутулганча уйимизга келдик.

Аммо, эгри юрувчи, фитна қўзғовчи ва тунги юриши жоду кўзлилларнинг кина билан бағри хун ошиқларнинг дидасидан қон оқизгани каби сеҳргарликдан иборат фалак яна бир бузғунчилик қўзғатиб, уч кундан сўнг нечукдир бизнинг тунги саргузаштимиз айрим одамларга маълум бўлиб, тез орада халқ орасида миш-мишга айланиш хавфи бор экан. Ва биродарим Аҳмад афанди, Кошиф афанди каминани бу сирдан огоҳ этишди. Биродарим Моҳир афанди ҳам бу ишдан воқиф бўлиб, жуда кўрқиб кетганидан қаттиқ ҳадикка тушганча олдимга келди ва маслаҳат сўради. Фақир «аллақачон Турон мамлакатига кетишга жазм этганман, сен нима қилмоқчисан» дедим. У эса «мен Судан¹⁶⁸⁹ вилоятидаги Шарифбек вазир олдига бориб, бироз муддат ўша ерда яшайман. Бу ғалағовурлар пасайгач, яна қайтиб келаман» деди ва унинг қарорини мен ҳам маъқулладим. Чунки, ўзим ҳам биламан, Судан вилояти муборак Нил дарёсининг тепа оқимида жойлашган ва Шарифбек Муҳаммадали подшо амирларининг энг каттаси бўлиб, ўша диёрда ҳукмронлик қиларди. Биродарим Моҳир афанди билан дўстлиги бор эди. Агар ўша ерга борса, ҳар ҳолда иши ўнглиниб кетиши ҳеч гапмас. Шунга кўра фақирингиз ҳам уни ўша тарафга ундадим. Сўнг бир-биримизнинг юз-кўз ва пешонамиздан ўпиб, неча бир йиғи-сиғи ва зорлик билан бир-биримиздан ажралдик. Шундай қилиб ул биродар қочмоқни ихтиёр этиб, Судан томон юзланди. Фақир эса зимдан биродарлар билан хайрлашиб, шариф Канъон сари юзландим.

Фақирнинг касофатга қон Мисрдан кўч-кўлонини йиғиштириб, шарофатли Канъонга юзлангани зикри

Алқисса, ўта кўрқув ва ҳадикдан тезда карвонсаройга келдим. Бахтимга шамолдек учар араб билмоя туясини минган туякаш араблар Шом томонга кетишаётган экан. Фақир шу билмоя туядан биттасини беш тиллога кира қилиб, уларга қўшилганча Канъон сари юзландим. Бу бир неча байт эса тилимдан ўша маҳал жорий бўлди. **Маснавий:**

Ин бахт надонам аз кужо хост,
К-зи ҳар рагу решаам бало хост.
Як жону ҳазор барку андўх,
Гоҳе чи кунад ба оташин кўх.
Эй фитна, чи хости ба кинам,
В-эй чарх, чи дори дар каминам ?
Бар қатли манат чи лашкар аст ин ?
Оҳанги кадом кишвар аст ин ?
[Билмам бу бахт қаердан кела қолди,
Бутун вужудимдаги балони ола қолди.
Бир жону минг чакмоқу андух ўти,
Нелар қилар бу ўт оловли тоғни.
Эй фитна, қай қасдим учун қўптинг,
Эй чарх, яна не пистирма қўйдинг?
Мени ўлдириш учун не лашкар бу,
Қайси мамлакат устига юрмоқчисан?].

Шундай тезлик билан юриб борар эдикки, ўн кунлик йўлни уч кунда босиб ўтиб, Ғаза шаҳрига кириб бордик. Фақат шундагина барча ҳадик ва ваҳимадан қутулгандай бўлдим. Уч кун ул шаҳарда йўл ҳордиқларини чиқардим. Ўзимнинг бу аҳволимга муносиб бўлгани учун ушбунни айтдим, **Рубоий:**

Юсуф манам аз ранжи бало афсурда,
Аз тўхмат хуни жигарам олуда.
Хори макун эй азиз, ки дони ки манам,

¹⁶⁸⁹ Судан/Судон – юқори Нилда жойлашган Судан давлати. Пойтахти Хартум. 1820-22 й.ларда Судоннинг катта қисмини Миср ҳукмдори Муҳаммадали босиб олди. Судон гарчи Усмонли турк империяси таркибига расман қўшилган бўлса-да, амалда Миср мулкига айланган эди..

Юсуф надаридаву даҳан олуда.
[Бало азобидан сўлиган Юсуф мен,
Тухматдан бағрим қони эзилган.
Хўрлик чекма, эй азиз, билсанг мен,
Юсуфга тегмадим, оғзим қонга бўялмаган].

Алқисса, тўртинчи куни Қуддуси шариф сари юзландим. Икки кундан кейин Байтул-муқаддас¹⁶⁹⁰ га келиб тушдим ва муаллақ тошни зиёрат қилгач, Ақсо масжидида ўрнашиб олдим. Уч кун ўтгач, нарсаларимни ўша ерда қолдириб, дунёни роса кезган ва бутун оламни айланиб чиққан жаҳонгашта бир ҳиндистонлик қаландар билан бирга пойи-пиёда Қалъаи Раҳмон сари юзландим. Анча қийинчиликдан сўнг ул вилоятга кириб бордик ва ҳазрат Иброҳим *халилуллоҳ* ва ҳазрат Исҳоқ ва ҳазрат Юсуф *алайҳум ассалом* зиёратларига машғул бўлдим. Уч кундан сўнг Тур тоғи¹⁶⁹¹ сари юзландим. Ул табаррук тоққа етиб боргач, қарасам, на сув бор, на дарахт. Жуда қийинчилик билан йўл юрдик. Бир нечта жойда бадавий қароқчи арабларга дуч келдик. Ҳар гал бизни ўлдириб, нарсаларимизни талашмоқчи бўлишар, аммо, қарашса, фақирнинг ёнида битта эҳромдан ортиқ бошқа ҳеч вақони кўришмасди. Шу сабабли ўлдириш фойдасиз эканини билиб, ноилож, кўйиб юборишарди. Ниҳоят, ана шундай қийинчиликлар билан аср намозидан бурун ҳазрат Мусо калимуллоҳ қабрига етишдим. Бу чексиз дашту биёбонда ул ҳазратнинг буқъасидан ташқари бирон нарса йўқ эди. Ўша кечаси фақир ул ҳиндистонлик сайёҳ билан бирга неча бир кўрқув ва ваҳимада тонг оттирдик. Шундай кўрқинчли жой эканки, агар эркак шер бу ерга келса, ваҳимадан унинг ҳам ўтакаси минг еридан тарс ёрилди. Қуёш порлаб кўриниш бергач, малак посбонли ул даргоҳдан чиқиб, пиёда қадам ташлаганча бечоралик юзасидан кўзимдан қонли ёшимни юзим узра оқизар ва шу кўйи телбаларча тиканларни босиб, йўл юрардим. Қоронғу тундаги йўловчиларга мунис бўлмиш илоҳий иноятга суяниб, тил булбулини бу **байт** билан тараннумга келтирардим: Мададе гар ба чароғе накунад оташи Тур, Чораи тийра шаби водии ийман чи кунам? (Тур олови¹⁶⁹² бир ёруғлиги билан мадад бермаса, Ишонч водийсининг қоронғу туни чорасини қандай топай?).

Ўша маҳалда фақирнинг оёғи қавариб, майиб-мажруҳлар каби ўлим азобида йўл юрмоқда эдим. Анча азоб-укубат тортиб, кун ботишидан сал бурун Қуддуси шариф шаҳрига кириб бордик. Етти кун давомида ул табаррук шаҳарда йўл азоблари ҳордиғини чиқардим ва у ердан бир туя кира қилиб, йўл сари юзландим. Бир манзилдан сўнг Ноблус¹⁶⁹³ вилоятига кириб бордим. Бу шаҳарни қадимги сеҳргарлар қуришган. Ниҳоятда мустаҳкам ва фаровон шаҳар. Аммо, ўша пайтда бу шаҳарда ўлат касали тарқалган бўлиб, кўча ва бозорларда одамлар ўлиги тўда-тўда бўлиб ётар, уларни йиғиштириб оладиган бирор киши топилмасди. Ҳар ким ўзи билан ўзи овора эди. Демишлар, **байт**:

Қазо туради кўк тоқида ой-кун каъбатайни ила,
Душиш нақши била эл нақд умрин бешумор элтур.

Бу вазиятни кўриб, ширин жонимдан қўл ювганча шаҳар карвонсаройига жойлашдим. Чунки, тез кетай десак, бизни бу бало гирдобидаги шаҳардан ташқари чиқариб қўювчи биронта киракаш топилмади. Ноилож, тақдирга тан бериб, ўлимимизни бўйнимизга олиб ўтирдик. Учтинчи куниси фақирга ҳам ўлат юқди. Бу касал қондаси шундай: қорамик каби тери устига бўртиб чиқиб, уч кун ичида ёрилиб, йиринги чиқиб кетса, ўша киши қутулиб қолади. Агар тўртинчи кунга ўтиб ҳам ёрилмаса, минг жонидан битта жони ҳам омон қолмаслиги аниқ. Алқисса, ўша куниси бахтимга иккита киракаш келиб қолишди. Иккита йўл юрар хачир билан мени ва кўч-кўлонимни олиб кетиш учун кира баҳосини келишиб, вабо билан оғриган бўлишимга қарамай ноилож Яъқубия шаҳри сари юзландим, яъни бу номдан муродим Канъон шаҳрини назарда тутмоқдаман. Хуллас, ана шу мақсад сари кўп йўл босдик. Аммо, хачир устида борарканман, ўзимни худди манқал ичида ёнаётган исирикдек ҳис этганча умримда кўрмаган азобларни бошимдан ўтказардим. Бу йўл асносида чеккан машаққатларим мазкур саёҳатим давомидаги қийинчиликлардан энг оғири эди. Учтинчи куни Канъонга етишдик. Ўша кечаси гоҳ ўзимни билиб, гоҳ билмай ётдим. Буни қарангки, қазо етмаган экан, вабо ёрилди ва шу қадар қон аралаш йиринг кетдики, назаримда бутун аъзои баданимда бир қатра ҳам қон қолмагандек эди. Шу тўрт кун орасида касаллик азобини чунонам тортдимки, уч йиллик қаттиқ хасталик ҳам унчалик бўлмас. Эртаси куни у ердан қўзғалиб, Юсуф *алайҳиссалом* қудуғига келиб, бир лаҳза нафас олдик. У ердан ҳам отланиб, Яъқуб бандаргоҳига келиб тушдик. Эртаси куни у ердан кўчиб, уч манзил йўл юргач, жаннат тароватли Шомга кириб бордик.

¹⁶⁹⁰ Байт ал-муқаддас – Иерусалим шаҳри.

¹⁶⁹¹ Тур тоғи – Синай тоғи.

¹⁶⁹² Худои таоло Мусо пайғамбарга Тур тоғида олов сифатида кўринганига ишора.

¹⁶⁹³ Ноблус – Сурия (қадимий Фаластин)нинг Самария вилоятидаги шаҳар.

Фақирнинг Шом мамлақатини қайта кўргани ва беш ой шу тенги йўқ вилоятда истиқомат қилиб, сўнг Бағдоди¹⁶⁹⁴ шариф сари юзлангани

Алқисса, Шом шаҳрига келиб тушгач, у ердаги биродарларнинг барчаси дарҳол мени кўргани келди ва каминани даволашга тушдилар. Сал кунлар ичида тузалиб ҳам қолдим ва ушбу рубоий тилимдан жорий бўлди:

Ҳожиё дар ин води бо ҳазор ғам омад,
Мўй-мўйи ў ҳасрат, узв-узв алам омад.
Пой то сараш бар бод андар ин ғариб обод,
Мисли ў дил ношод дар замона кам омад.
[Ҳожимиз бу водийга келмиш минг ғам ила,
Сочин ҳар толаси ҳасрат, вужуди алам ила.
Бу бегона ўлкада бошдин-оёқ хавф ила у,
Замона фахр этар бу каби ношоди кам ила].

Ҳар куниси жаҳонни кезувчи сайёҳлар билан Яҳё пайғамбар *алайҳиссалом* жомеъ масжидида йиғилиб, қизгин суҳбатлар қилардик, гоҳида эса қора кўз сарв қадли ёш дўстлар билан ҳам ўтиришлар ташкил этардик. Шоми шариф ўзининг чиройли юз ва латофатли одамлари билан бутун Арабистон юртлари орасида шуҳрат топган. Мен у ерда кўрганим жувонбозлик дунёнинг ҳеч бир ерида бунчалик ривож топган эмас. Чунончи ўша пайтлари бу шаҳарда Меҳри исмли тикувчи ўспирин бўлиб, ҳусну жамолда ягона, лаб усти туклари юзида энди сабза урган дурдона эди. Бу йигитга Шом амирзодалридан кўпи ошиқ эдилар. Хуллас, бир куни шаҳар қозиси ва муфтисининг ўғиллари бу йигит шарафига зиёфат уштириб, зимдан ҳар иккаласи ул пари чехрага хабар юборганча уйларига таклиф этибдилар. Ул паризод эса «улардан қайси бири кўпроқ пул берса, ўшанинг хузурига бораман» дебди. Ҳар иккала улўзода ҳам ор-номус юзасидан ўн тиллодан то юз тиллогача ким ошди савдосини қилишибди. Анча тортишувлардан сўнг муфтизода икки юз тилло юбориб, ушбу **мисра** сўзларини айтибди: Эй шўх, чунон макун ки навмед шавам – (Эй шўх, мени ноумид қиладиган иш қилма); Шундан сўнг муфтисининг ўғли ул пари юзликни қўлга киритибди. Ва бир неча кундан сўнг ўша гуландом синаб кўриш учун ўзининг жундан тўқилган бош кийимини шаҳар бозорида ким ошди савдосига қўйибди. Ул гулбадан ўспирин ишқига гирифторлар бундан хабар топиб, ҳаммаси гув этиб, бозор сари югуришибди ва ул бош кийимга харидор чиқишибди. Сотиб олмоқчи бўлганларнинг кўплигидан бош кийимнинг баҳоси бирпасда беш тилло ашрафийга етибди. Улар ичида Муниб исмли бир шарбат сотувчи ҳам бўлиб, ана ўша ҳеч тап тортмасдан етти тилло ашрафий берибди ва кийилиб эскирган қалпоқни юраклари шодликка тўлганча сотиб олиб, бошқалардан олғирроқ чиққанча қочиб қолибди. **Байт:**

Ошиқонро бар сари худ ҳукм нест,
Ҳарчи фармони ту бошад он кунанд.
[Ошиқларнинг бошида бирор қарор йўқ,
Сен қандай фармон берсанг, ўшани қилишади].

Фақир шариф Шом юртида бошқа яна кўп ажойиб-ғаройиб нарсалар ва воқеаларни кўрдим, улардан мингдан бирини ҳам айтиб, адосига ета олмайман. Яшасангиз, шу Шом ўлкасида яшанг. Бошқаси бир пул.

Гапнинг қисқаси шуким, ҳар куни қадимда ўтган ҳазрат Муовия¹⁶⁹⁵, Билол Ҳабаший¹⁶⁹⁶, Муҳйиддин Арабий¹⁶⁹⁷ – улардан Аллоҳ рози бўлсин – каби азизлар зиёратига бориб юрдим. У ерда

¹⁶⁹⁴ Бағдод – ҳозир Ироқнинг пойтахти. 1638-1917 й.ларда Усмонли турклар тасарруфида бўлган.

¹⁶⁹⁵ Муовия – Муовия I (623-685) Усмон ибн Аффоннинг яқин кишиси бўлган. Усмон ўлдирилгач, қочишга мажбур бўлган. Муовия II вафот этгач (684), конуний халифа Холид ибн Язид I балоғат ёшига етгунига қадар тахтга ўтирган. Рақиби Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг саркардалари устидан ғалаба қозонган ва Сурия, Миср ва Месопотамияда халифа сифатида тан олинган. Бироқ ўғли Абдулмаликни ўзига валиаҳд қилиб белгилаганида Холиднинг онаси томонидан бўғиб ўлдирилган. Муовия II (688-750), Муовия I нинг набираси. Дастлаб (734-744) Арманистонда ноиб бўлган, сўнгра халифа Валид III нинг қасоскори сифатида танилган, халифаликка сайланган (744) ва Ғарон шаҳрини қароргоҳ қилган. Ҳарбий иқтидори туфайли Сурия ва Ироқдаги кўплаб рақиблари (айниқса, хорижийлар) устидан ғалаба қозонган. Лекин аббосийлар хонадонига мансуб Иброҳимни қатл этиши билан ушбу хонадон аъзоларининг кўзғолон кўтаришларига сабабчи бўлган. Арбела шаҳри яқинидаги Зоб дарёси бўйида Абул Аббос саркардаси Абу Муслим томонидан енгилгач (750), Мисрга қочган ва у ерда христиан қибтий қўлидан ўлдирилган.

¹⁶⁹⁶ Билол Ҳабаший – Билол ибн Рубоҳ Ҳабаший (? - 641, Дамашк) ислом тарихидаги биринчи муаззин. Баланд, ширали, таъсирли овоз-га эга бўлган. Асли ҳабашистонлик, Маккада исломни биринчилардан бўлиб қабул қилган қуллардан. Хўжаси Умайя ибн Ҳалаф исломдан воз кечишни талаб этиб унга тоқат қилиб бўлмас азобларни берар эди. Абу Бакр Сиддик Билолни Умайядан сотиб олиб, озодликка чиқарди. Пайғамбар Муҳаммад билан Мадинага хижрат қилган. 622 й. Мадинада

бир ғор бўлиб, айтишларича, ўн икки минг мурсал пайғамбар шу ерда ётган эмиш. Ўша вақтда шариф Шом юртининг ҳокими Муҳаммадсолиҳ подшоҳ эди. У билан орамизда яхшигина ошнолик пайдо бўлганди. Ул олий мартабали зот мен ҳақимда топшириқ бериб, Бағдод ҳокими Ҳасан подшоҳ номига жуда қаттиқ бир йўсиндаги уқдириш билан хат ёзди. Фақир икки ойдан сўнг ул жаннат аломатли шаҳардан минг дард билан дилимни узганча карвонсаройга йўл олдим. Борсам, айна пайтда Бағдод савдогарлари юкларини ортиб, Бағдод сафарига чиқмоқчи бўлиб туришган экан. Фақир дарҳол Бағдодгача битта туяни беш тиллога кира қилиб, Бағдод сари юзландим. Биродарлар мени кузатиб чиқиб, бир-бир хайрлашдилар. Ўшанда, Шомга энди келган вақтларимда нону туз насибаси мавзусида мен билан баҳслашган мулло Худойберди «бир пайтлар нима деганингиз эсингиздами?» деб қолди. Эсимга тушди ва бу борада айтган сўзларимга тавба қилиб, истиғфор айлаганча «ҳа, катта-кичик нарсалар барисининг ихтиёри вожиби таоло қўлидадир, бандасининг қўлида эмас экан» дедим.

Фақирнинг жаннат тароватли Шомдан бепоён биёбон йўли орқали Бағдоди шарифга неча бир дарду алам билан кетгани

Гапнинг хулосаси шуки, деярилик беш юз туя ва мендан бошқа ҳаммаси араб халқига мансуб бўлган икки юз нафар савдогар Бағдодга қараб йўлга тушдик. Бепоён биёбон орқали неча манзилларни босиб ўтдик. Нажд водийсига яқин қолган ерда Той қабиласидан чиққан пайғамбар сарзаминидаги Ҳотам Той манзилгоҳида ва ул ердан Лайли ва Мажнун яшаган, аммо, ҳозир пашша ҳам келиб қўнмайдиган Бани Тамим мавзесига, у ердан ҳам ўтиб, девлар фақатгина мрамор (гранит) тошини ишлатиб қурган ҳазрат Сулаймон *алайҳиссалом* қасрига етишдик. Карвондагилар ул қасрга етишгач, ҳаммасини титроқ босиб, толдек қалтирай бошлашди. Ўша тунда мазкур қаср олдида ётиб қолдик. Аслида бу иш ташаббускори мен эдим. Чунки, шу баҳонада қадимий қасрни кўрмоқчи эдим ва шу жиҳатдан бир неча кишидан «юринглар, биргаликда қасрга бориб, дунё ғаройиботларидан бирини томоша қилиб кетайлик» дея илтимос қилдим. Аммо, қанчалик ёлвормай, улардан ҳеч бири ундашимга қўнмади. Кечаси билан ул қасрдан ҳар хил товушлар тинмай келиб турди. Гап нимадалигини била олмадим. Бироқ, ул сарзамин аҳолиси айтишича, қаср ичи жину париларга тўла эмиш. Ким у ерга кирса, ўз жонига ўзи қасд қилган бўлади. Эртаси куни у ердан кўчиб, жуда кўп чуқурлари бор жойга етиб олдик. Чуқурларнинг ичида таъми жуда яхши ёмғир сувлари бор эди. Карвон аҳлининг бариси қувонишиб, хушчақчақлик билан ул сувлардан тўйиб-тўйиб ичишди. Чунки, шу йўл юрганимиз ўн беш кун мобайнида нордон ва шўр сувдан бошқасини кўришмаган эди-да. Йўлимизда инсон зотини ҳам учратмаган эдик. Мана бу ерда эса олдимизга улкан гавдали, бақувват ва ниҳоятда хушрўй бир одам келди. Эгнидаги кийимларининг бариси кийик терисидан эди. Фақир хайратга тушдим, зеро у шу гавдаси билан карвон аҳлидан тиланчилик қила бошлади. Бу гадоини ёнимга чорладим ва ҳол-аҳвол сўрадим. У эса шундай жавоб берди: – Биз имом Молик мазҳабидаги халқмиз. Умримизда бирон марта ҳам шаҳарни кўрмаганмиз, шу чексиз саҳрода айланиб юрамиз. Мабодо, ўн йилми, йигирма йилми мобайнида йўлимиздан карвон чиқиб қолса, кўрамиз, йўқса одам зотини кўрмаймиз. Биз бир оила ёки икки оиладан зиёд ҳолда тўпланишиб юрмаймиз. Егулигимиз фақат кийик гўшти. Бошқасини билмаймиз ва ойда бир марта дуч келмаса, сув ҳам ичмаймиз.

Яхшилаб мушоҳада қилсам, гапираётган тили араб шеvasининг энг фасоҳатли намунаси. Ул саҳройи кишининг бутун аъзои бадани суяк ва пайдан иборат эди. Бутун гавдасида бор-йўғи юз мисқол гўшт бор. Шу даража соҳиби хусн эдики, шаҳар халқида унинг минг бир жамолидан яримтаси ҳам топилмас эди. Иккита кўзи косасидан худди қон фаввораси кўпириб тургандай. Фақир дедим: – Сизларга нима зарур бундай юриш, шаҳарга бориб яшасангиз яхши эмасми?

Ҳалиги одам кулиб: – Ҳар кимга ўз ери яхши, – деди.

Алқисса, эртасига бу ердан ҳам кўчиб, бепоён биёбон сари юзланганча йўл юришга тушдик. Ҳар уч манзилда шўр қудуқлардан сув кўтарардик. Бу сафар чоғи шундай сувлардан ичдикки, Шўр денгиз суви ҳам улар олдида мазали ва латифроқ эди. Ул қонхўр даштда сувсизлик ва ҳаво иссиғига дош бера олмай жуда кўп хайвонларимиз ҳалок бўлди. Яна ўн беш кун давомида шу тариқа кийинчилик ва машаққатлар чекканча йўл юрдик. Ўттизинчи куниси Фрот дарёсининг соҳилига етиб

оммавий азон айтиш жорий этилганда у биринчи бўлиб баланд овози билан мусулмонларни намозга чорлаган ва бир неча йил давомида Муҳаммадга муаззинлик қилган. Пайғамбар вафотидан сўнг Шомда яшаган ва имом Ҳусайн илтимосига кўра бомдод намози азонини айтган, деган ривоят бор.

¹⁶⁹⁷ Муҳйиддин Арабий – Ибн Арабий – Муҳйи ад-дин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳотамий ут-тоий (1165-1240) - диний файласуф, «вахдати вужуд» таълимоти асосчиси, суфийликнинг кўзга кўринган вакили. «Улуғ шайх» (муаллим), «Афлотун (Платон)нинг ўғли» номлари билан улуғланган.

олдик. Ҳамма ўзини бирданига сувга урди, аммо, ичмай-ичмай, бирданига бундай ҳаприкиб ташналикни қондириш натижасида карвон аҳлидан бир қанчаси ҳушдан кетишди. Алабатта улардан биттаси каминангиз эди. Ишқилиб, ўттиз кун давомида ўша бадавий арабдан бошқа бирор инсон зотини кўрмадик.

Алқисса, дарёдан кечиб, йўл азобларидан кутулиш илинжида уч кун дам олдик. Шундан сўнг у ердан кўчиб, бир манзиллик масофадаги Тоқи Кисрога етишиб, ўша ерда қўш ташладик. Бу қадимий машҳур мавзе ҳозир харобага айланган. Лекин, ҳар қалай Тоқи Кисро қолдиклари худди бизнинг Шаҳрисабздаги Оқ сарой сингари сақланган. Эртаси куни у ерни тарк этганча пешиндан сўнг Бағдоди шарифнинг ташқарисида Дажла дарёси соҳилига қўш ташладик. Бу пайтда Дажланинг айни кўпириб-тошиб турган мавсуми экан. Шоир айтмиш, **байт:**

Дажларо имсол рафтор ажаб мастона бувад,
 Пой дар занжир, каф бар лаб, магар девона бувад?
 [Дажланинг рафтори бу йил ажаб мастона бўлибдир,
 Оёғида занжир, оғзида кўпик, магар девона бўлибдир].

Фақир юкларимни олиб, қайиқчага тушганча, Бағдод дарёсининг икки томонини томоша қила-қиладан бандаргоҳдан чиқдим ва тўппа-тўғри қаландарлар тақиягоҳи сари йўналдим. Бу бандаргоҳда ўттиз учта катта-катта кемаларни йўғон-йўғон занжирлар билан бир-бирига боғлаб, ўтиб-қайтадиган паром (кўчма кўприк) ясаган. Паромнинг икки томонида шаҳар халқи ул-бул нарсалар сотишади ва шаҳар аҳолисининг ўтиб-қайтиши ўша паром орқали амалга ошади. Қуёш ботгач, яна паромни қирғоққа тортиб, эртасига кун чиқиши билан осон бир тарзда қайта бир-бирига улайдилар. Оламни безовчи ақл эгалари ва тавфиқ малаклари соликлари ва таҳқиқ мамлакатлари моликларининг тугунларни ечувчи кўнгилларига яширин қолмасинким, Ироқ мамлақати, айниқса, Бағдоди шариф қадим замонлардан ва кечмиш давронлардан бери ҳамиша имомлар ва улуғ олимлар, буюк машойихлар яшаган ва вафот этган маскан бўлиб, улардан кўплари шу сарзаминда мангуга ором топишган. Чунончи, имомлардан ҳазрат Мусо Козим ва ҳазрат Имоми Аъзам¹⁶⁹⁸ ва имом Аби Юсуф¹⁶⁹⁹, имом Аҳмади Ҳанбал¹⁷⁰⁰, шайх Абдулқодир Гилоний¹⁷⁰¹, Жунайд Бағдодий¹⁷⁰², Маъруф Кархий¹⁷⁰³, Сиррий Сақатий¹⁷⁰⁴, Фузайл Ийёз¹⁷⁰⁵, Мансур Ҳаллож¹⁷⁰⁶, Баҳлул девона¹⁷⁰⁷ – уларнинг барчасига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин – ва бошқалар. Мўътабар подшоҳларнинг эса сон-саногии йўқ. Шундан қиёс қилаверасиз бу ерда кимлар ва қанча буюк шахслар ётганини. Ҳурматли фозиллар ва фазилят-илму ирфон ёйғувчи донолар сони ҳаддан зиёддир. Тупроғининг поклик латофати Марям¹⁷⁰⁸нинг покиза этаги кабидир. Дарёси тубидаги тошлари шаффофликда аъқиқу жавҳардан тиниқроқ, Дажла дарёсининг суви ширинликда ниҳоятда софлик билан тоза қалб мўъминлар юрагига рашк ўтини солади. Мўътадил аломатли ҳавоси Масиҳо каби юз йиллик ўликни тирилтиради. Бундай аҳолиси машҳур вилоятга ўхшашини ахбор эшитувчиларнинг ҳуш қулоғи ҳеч эшитмаган, васфи бунингдек таърифга сиғмас жамоати бор мамлакатни асрлар давомида жаҳонгашталик қилувчи гардун ҳам сира кўрмаган. Ер юзида бу сарзаминга тенг келадиган бир-иккита атоқли шаҳарлар

¹⁶⁹⁸ Имоми Аъзам – имом Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит ал-Куфий (699, Куфа-767, Бағдод) - ханафийлик мазҳаби асосчиси.

¹⁶⁹⁹ Абу Юсуф, имом – Ёқуб ибн Иброҳим (731-798) фикҳшунос олим. Абу Ҳанифа нинг шогирди. Халифалар Ҳоди (785-786) ва Ҳорун ар-Рашид (786-809) даврида Бағдодда қози бўлган. У халифа Ҳорун ар-Рашид топшириғига кўра «Китоб ал-хирож» («Солиқ ҳақида китоб») асарини ёзган. Бу китоб илк халифаликнинг ижтимоий-иқтисодий тарихи бўйича қимматли манба ҳисобланади.

¹⁷⁰⁰ Аҳмад Ҳанбал – Ибн Ҳанбал Аҳмад Абу Абдуллоҳ (780-Бағдод-855) илоҳиётчи олим, суннийликдаги ханбалийлик мазҳабининг асосчиси ва имоми.

¹⁷⁰¹ Абдулқодир Гилоний – Муҳиддин Абдулқодир ибн Аби Солиҳ Жангидўст (1077- 1166) - форс илоҳиётчиси, мутасаввиф. Гилон вилояти (Эрон) да туғилган. 18 ёшида Бағдодга келиб сабоқ олади. Унинг ханбалийлик мазҳабига оид ваъзлари шуҳрат қозонади. Унга «Ғавс ал-Аъзам» («улуғ ҳимоячи») ва «пири дастгир» («мададкор пир») лақабларини беришган эди. Унинг мақбараси Бағдодда бўлиб, исломдаги муқаддас жойлардан бири ҳисобланади.

¹⁷⁰² Жунайд Бағдодий –Абул Қосим ал-Жунайд ибн Муҳаммад ал-Қаворирий ал-Ҳаззо ал-Бағдодий (? - 910) - тасаввуфдаги 2 асосий оқимдан бири - жунайдия асосчиси. Жунайд асли форс бўлиб, Бағдодда (ёки Наҳованд ш.) туғилган ва бутун умри шу ерда ўтган. Сари ас-Сақатий унга тоға бўлади.

¹⁷⁰³ Маъруф Кархий – Маъруф ал-Кархий (ваф. 200/815) кубравия тариқатининг муршидларидан.

¹⁷⁰⁴ Сиррий Сақатий – Абулҳасан Сари ибн ал-Муғаллис ас-Сақатий (ваф.251/865) Бағдодлик суфий, Маъруф Кархийнинг шогирди.

¹⁷⁰⁵ Фузайл Ийёз – саҳоба. Фузайл ибн Ийёз Аби Али Тамимий,ҳижрий 105 йили Самарқанднинг Наса (тожикча Дараи Кузу) маҳалласида оламга келган. Кейинчалик Маккада имом, шайхулислом бўлган.

¹⁷⁰⁶ Мансур Ҳаллож – Ҳаллож Ҳусайн ибн Мансур (858-922) тасаввуфяатк ўта сўл оқим-нинг йирик вакили.

¹⁷⁰⁷ Баҳлул девона – баъзи манбаларда уни халифа Ҳорунаррашид замондоши дейишган (мас. “Тарихи гузида”да). Баҳлул машҳур олим Умари Куфий (ваф.805)нинг фарзанди бўлиб, 848 йилгача яшагани тахмин қилинади. Халифа Ҳорунаррашид уни Бағдодга қози этиб таинлаганда у ўзини жинниликка солиб вазифадан воз кечади.

¹⁷⁰⁸ Исо пайғамбарнинг онаси кўзда тутилмоқда.

бўлиши мумкин, холос. Шаҳарнинг сўлим ва кўркам, яхшилиги туфайли бир неча кун унда истиқомат ихтиёр этиб, ҳар кун улуғлар зиёратига худди телбалар сингари бош очик, оёқ яланг катнаб юрдим. Шом намозидан сўнг Дажла дарёси бўйига келиб, нурга чўмган тунги шаҳарни томоша қилардим. **Байт:**

Намози дигар Марву намози шом Ҳирот,
Ала ас-сабах Нишопуру хуфтан Бағдод.
[Аср намози Марвда, шом намози Ҳиротда,
Бомдод Нишопур ва хуфтон Бағдодда].

Агар Бағдоднинг катталиги ва ободлиги ҳақида сўз юритилса, гап узоққа чўзилиб, эшитувчилар кўнглига малоллик келтиради. Шунга кўра, мазкур таъриф билан билан кифояланишни лозим топдим. Ўшанда Шом ҳокими Муҳаммадсолиҳ подшоҳнинг мактубини Бағдод ҳокими Ҳасан подшоҳ Гуржийга бердим ва у фақирингизга жуда кўп иззат-икромлар кўрсатди. Орамизда яхшигина танишлик юзага келди. Шу сабабли у ҳам кетиш пайтим жуда қаттиқ тайинлаш билан Санандаж¹⁷⁰⁹ ҳокими Хусравхонга бир мактуб битиб, қўлимга тутқазди.

Фақирнинг Бағдоди шарифга келиб, уч ой ул вилоятда тургандан сўнг Эрон мамлакати сари юзлангани зикри

Бир ойдан сўнг ул фирдавсмонанд вилоятда кўч-кўлонимни йиғиштириб, Ҳамадон шаҳридан келган зиёратчилар билан бирга Эронзамин мамлакати қараб йўлга чиқдим. Ўн кеча-кундуз йўл босиб, Ҳамадон¹⁷¹⁰ вилоятига етишдим. Жуда катта ва ниҳоятда обод, фаровон шаҳар экан. Ўша пайтларда ҳали эгнимдаги румийча кийимларимни ечмаган эдим ва бу эса шиа мазҳабидаги эронликларнинг жаҳлини чиқариб, зардасини қайнатарди. Шу сабабли бу шаҳарни тарк этарканман, ноилож, Техрон йўлини қўйиб, йўналиш жиловини барча аҳолиси шофеъи мазҳаб бўлган Курдистон¹⁷¹¹ вилояти томонга бурдим.

Фақирнинг Санандаж вилоятига боргани зикри

Икки манзилдан сўнг ҳозирда Санаи Ардалон деб аталувчи Санандаж шаҳрига кириб бордим ва карвонсаройда жойлашдим. Сўнг Ҳасан подшоҳнинг хатини Хусравхонга топширдим. Хусравхон билан тезда иноқлашиб кетдим, дўстлигимиз ниҳоятда қалин бўлди. У ботинда шофеъи мазҳаб бўлиб, сиртдан ўзини шиа қилиб кўрсатарди. Бинобарин, Фатҳали шоҳ Қожор¹⁷¹² ўзининг «Зиё ас-салтана» лақабли, ой юзи дилбарлик ва сабоҳат осмонида фалакка гўзаллик ўргатувчи энг яхши ва суюкли қизи Пари султонни Хусравхонга хотинликка бериб, ўзига куёв қилганди. Хусравхоннинг бир ёмон одати ҳеч тўхтовсиз май ичарди. Бир соат ҳам қизил шароб ичишдан ўзини тиймасди. **Байт:**

Сафосин кўрмамишсен зоҳид, инкор этма майдур бу,
Мужаллойи жамол жумла ашё турфасидур бу.

Санандаж ниҳоятда кўркам ва обод, фаровон шаҳар экан. Бироз кичкина бўлса ҳам, сўлимликда Эрон мамлакатининг ҳеч бир ерида унга ўхшаши топилмасди. Ҳар хил ўта яхши сархил мевалари бор. Вилоятнинг яхшилигидан бир неча кун шу ерда қолиб кетдим. Иттифоқо, карвонсарой биноси рўпарасида Мирзо Абу Туроб исмли катта бир савдогар яшарди. У мазкур худуднинг энг шариф кишиларидан бўлиб, фақирни ўзига қиёматлик фарзанд тутинди ва ўз қасридан жой берди. Бу Маликут-тужжорнинг уч нафар етуклик ёшидаги ўғиллари бор эди. Энг кичигининг номи Мирзо Муҳташам бўлиб, ёши йигирмага етишганди. Ҳусну жамолда тенгсиз бир ўспирин эди. Ул йигит мен билан жуда улфат чиқиб қолди. Бир неча кун қошимда [Саъдийнинг] «Гулистон» китобини ўқиб ўтқарди ва кўп вақтини фақирнинг хонасида ўтқазарди.

¹⁷⁰⁹ Санандаж/Санайи Ардалон – Курдистон вилоятининг маркази (Эрон).

¹⁷¹⁰ Ҳамадон – Эроннинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Ҳамадон вилоятининг маъмурий маркази.

¹⁷¹¹ Курдистон – Ғарбий Осиёдаги тоғли ўлка, тарихий вилоят. Унинг аксар қисми Олд Осиё ва Эрон тоғликларида жойлашган. Курдистоннинг аниқ чегараси бўлмаганлигидан бу ном фақат этнографик маънода ишлатилади. Ўрта аерларда Курдистонда ярим мустақил амирликлар мавжуд эди. 1914 й.да Курдистон Эрон биланн Усмонли турк салтанати таркибига киритилди. У ҳам барҳам топгач (1918), вужудга келган Туркия, Ироқ ва Сурия давлатлари таркибига киритилди.

¹⁷¹² Асли Туркистон шаҳридан кетиб, аввал Марвда ҳокимлик қилган, Нодиршоҳ вафотидан сўнг (1747) Эронда шоҳлик тахтини эгаллаган туркий қожор уруғи сулоласининг вакили Фатҳ Али шоҳ (ваф. 1839) кўзда тутилмоқда.

Фақирнинг Хусравхон билан мажлис қургани зикри

Кунлардан бирида Хусравхон мени ўз чорбоғига чақирди ва ул манзил шаҳардан икки минг кадам ташқарида бўлиб, Хусравхон унга «Хусрав обод» деб ном қўйган экан. Фақир ул мавзегга етишиб, жуда таровотли ва сўлим бир боғни кўрдим. Сарву шамшод дарахтлари ошиқ-маъшуклар каби бир-бирига чирмашган, сумбул гул келин-куёв мисоли бир-бирининг кучоғида ўтирган, зумрад майсалар чаман сахнида фалакдек зангори кўринар, қушларнинг дилкаш ноласи ул чечаклар чаманида арғанун вазифасини бажарар, боғ май ичувчилари сарв миносидан баланд шохга етказган, қаландар машраб булбул хокистарий жанда билан овоз созини бошлаган. Боғ ўртасида мрамар тошдан катта қилиб қурилган ҳовуз. Ҳовуз ёнида бир кўшк бино этилган. Кошинлар билан жило топган, чиройли иморат. Ичида мрамардан ишланган бир хона бор бўлиб, деразалари катта-катта қилиб ўрнатилган. Очиқ қолган жойларига Моний қалам усталар ва Бехзод рақамли мусаввирлар томонидан жуда гўзал қилиб турли-туман жонли жониворлар сурати чизилган. Хонанинг тўрт бурчагига мрамардан дев суратини роса ўхшатиб яшашган бўлиб, хонани шу девлар кўтариб турган каби шакл беришган. Қаср атрофида яхшигина фавворалар қуришган. «Хусрав обод» боғини бу янглиғ гўзал ва кўркем ҳолда кўриб, ҳайрат бармоғини тишладим. Ўзимни чимчилаб, мабодо, ризвон боғи тушимга кирмаяптими ўзи, деб кўярдим. Алқисса, Хусравхон ҳузурига етишдим. Ўта иззат-икром билан ёнига ўтказди ва май ичишга таклиф этди. Фақир жуда одоб билан узримни айтдим. Гапимни қабул қилди ва қайтиб таклиф этмади. Мастлар орасида ўтириб, ҳар тўғрида суҳбатлар қурдик. **Байт:**

Айби риндон макун эй зоҳиди покизасиришт,
Ки гуноҳи дигарон бар ту нахоҳанд навишт.
[Риндларни айб этма, эй покиза табиат зоҳид,
Бировларнинг гуноҳини сенга ёзишмайди].

Ўтиришимиз бозори жуда қизигач, мастликлари меъёр чизигидан ташқари чиқди ва ҳар бири бир ерга беҳуш думалашди. Хусравхон ҳам оғиб қолди. Ўша пайтда ҳарамнинг жуда чиройли ва ўта сулув канизлари боғнинг бир бурчагидан келиб, уларнинг устидан роса кулишди. Фақир кўзимнинг қирини ташлаб, зимдан пари чехраларни томоша қилиб ўтирдим. Шўх бу канизлардан бир нечтаси орқасига қараб-қараб олганча, таъзим қилишди ва ҳайиқмай мен томон бир-икки кадам ташлашди. Уларнинг бу ҳаракатларидан коса тагида ним коса борлигини сездим. Менимча, ул парилар каминани ўликлар орасида шаҳид бўлиб ўтирган ҳолда кўриб, қизиқишлари ортганга ўхшарди. Улардан жуда шўхроқ ва жингала зулфини мастлик билан қулоғи устига эшиб ташлаган бириси яна орқасига қараб-қараб юрганча таъзим билан олдимга яқинлашди. **Байт:**

Гул ба Кобул, бода дар Шероз рангин мешавад,
Зулф дар Эрон, камар дар Ҳинд пурчин мешавад.
[Гул Кобулда, бода Шерозда рангин тус олади,
Зулф Эронда, камар Ҳиндистонда тўлғонади].

Менга қараб «май идишини узатиб юбор» дея ишора қилиб кўрсатди. Ҳеч нарса демадим. Тағин имо-ишора қилди. Фақир ҳам индамай ўтиравердим. Учинчи гал орқасига тисралди ва бирор нималар ҳам деди. Бошқа уч каниз тағин ўша таъзимни бажо қилганча журъат билан олдимга келишди ва мен томон секин-аста кесак отиб, қикир-қикир кулишди. Қарасам, табиатларида шўхлик устунлик қилмоқда ва мен ҳам отган кесакларини секингина олиб, ўзларига қараб отдим. Шунда уларни чунонам кулгу кўтардики, ўзларини хохолаб кулишдан зўрға тийишди. Ниҳоят, уларнинг уятсизликлари борган сайин ортиб бораётгани ва бу нарса улар табиатига хослигини сездим. Бундай кезларда ўзимни тута олишимни билсам-да, май идишини олдиларига суриб, аста-секин юрганча чорбоғдан неча бир кўркув ва ҳадик билан ташқари чиқдим ва хонам сари юзландим. Уйга келиб, оқшомиси роҳат тўшагида уйқуга кетдим. Фақат куёшнинг заррин дубулға Искандари мағриб ойинли Зулумот оламидан кўтарилиб, заррин чарх тахтгоҳида ўрин олгачгина уйғондим. Тонг ёришган ўша маҳал дўстим Мирзо Муҳташам саллона-саллона ўн тўрт кунлик ойдек бўлиб хужрамга кириб келди ва кечаги саргузаштларимдан сўради. Фақир ҳеч бирини қолдирмай ҳикоя қилиб бердим. Бу воқеани эшитган заҳоти кула бошлади ва деди: – Жим бўл, **мисраъ:** Агар сар боядат сирро ниғаҳ дор (Агар бош керак бўлса, сирни асрагин); Энди билсам, Фатҳали шохнинг қизи Пари султон ўша чорбоғда маскан тутган экан. Дўстим Мирзо Муҳташам гапига қараганда, эронликлар бир овоздан бу хотиннинг ҳусну жамолидан ташқари илму фазлда ҳам ер юзида ўхшаши йўқ тенгсиз эканига тан беришар экан. Айтишларича, бир куни отаси олдида ўтираркан шохга қараб «қиблаи олам, менинг муҳримга ўйиб ёзиш учун муборак таъбингиз мевасидан бу муштипар номига бирор сатрни лутф этсангиз нима бўлибти, менимча подшоҳлик марҳамати ва шафқатидан ўзга нарса бўлмаяжак» дебди.

Фатҳали шоҳ таъби соғлом ва зехни ўткир шоир бўлиб, Хоқоний таҳаллуси қўллар ва чоққина ажойиб бир китоб ҳам тасниф қилган эди. Манави икки байт унинг таъби маҳсули бўлиб, шоирлигидан далолат бериб турибди, **байт:**

Аз раҳи дайрам ба масжид зоҳиде ногоҳ бурд,
Ман намерафтам, ба онжо ў маро аз роҳ бурд.
[Дайр йўлидан мени масжидга зоҳид ногоҳ олибкетди,
Бормоқчи эмасдим, мени у йўлдан (уриб) олибкетди].¹⁷¹³

Бу ҳам уники:

Бишкаст хуми май агар аз санги маломат,
Эй бодапарастон сари ангур саломат.
[Май хумини маломат тоши билан синдирган эсалар,
Эй бода парастлар, узумнинг боши саломат бўлсин].

Хулласи калом, шоҳ қизидан бу сўзни эшитгач, «агар Сиз менинг қизим бўлсангиз, муҳрингиз учун ўзингиз бирор сўз айтинг» дебди. Зиё ус-салтана, яъни Пари султон шоҳдан бу сўзни эшитгач, сарви озод каби ўрнидан турибди ва хизмат заминини ўпиб, дарҳол ушбу битик сўзларини ўз номи учун назм ипига тизибди, **муҳр сажъи:**

Дар паси пардаи исмат чу пари пинҳонам,
Духтари хусрави офоқ Пари султонам.
[Ҳаё пардаси ортида паридек пинҳонман,
Жаҳон подшоҳининг қизи Пари султонман].

Шоҳ фарзанди истеъдодини бу даража кўргач, таҳсин ва офаринлар айтиб, бир шода қиммат баҳо жавҳар тортиқ қилибди. Айтишларича, ўша кезлари шоҳ Пари султонни неча бир дабдаба ва ҳашамат билан Санандиж вилоятига жўнатган экан. Бир неч кундан кейин эса жуда бир юксак ҳафсала билан бир хат битиб, ушбу байтни ўз ҳуснихати ила қизига ёзиб юборибди, **байт:**

Нури чашми ман Зиё ус-салтана,
Як шаб ҳажри ту моро дар сана.
[Кўзимнинг нури Зиё ус-салтана, кетдинг-а,
Бир тунги ҳажринг биз учун бир умрга тенг-а].

Ул пари чехра ўзининг тўғри таъби маҳсулидан Хусравобод таърифида шундай буюрмиш, **қитъа:**

Насими нофакушо омад аз диёри Санандаж,
Кушуд нофаи мишкин чу зулфи ёри Санандаж.
Ба гўши ҳуш шинав ояти «ва инна мин шиъ»
Зи тойирони ҳуш илҳони шохсори Санандаж.
Зеҳи ҳавойи фараҳ бахши Хусравободам,
К-зи ўст пур зи раёҳину гул канори Санандаж.
Надида дида чунин шаҳриёре шаҳр чунин,
Таборақ Аллоҳ аз ин шаҳру шаҳриёри Санандаж.
[Мушк нофасин очувчи насим бу диёр Санандаж,
Оҳу нофаси мушкин очди, гўё зулфи ёр, Санандаж.
Ҳуш қулоғи билан эшит «ва инна мин шиъ»¹⁷¹⁴ оятин,
Ҳуш овоз қушлар қўниб сайраса, такрор Санандаж.
Яшасин Хусравободимнинг ёқимли ҳаволари,
Ҳуш ҳавосидан райҳонга кон, гулу гулзор Санандаж.
Олам кўрмаган бундай бир шаҳриёрни ҳеч қачон,
Шаҳрига баракату соғ бўлсин шаҳриёри Санандаж].

Фақирнинг Эрон маликаси базмини унинг маъшуқаси Мирзо Муҳташам билан бирга томоша қилгани

Хуллас, камина Техрон сафарига тайёр бўлиб, йўлда бирга кетиш учун зиёратчилар гуруҳини излай бошладим. Аммо, бунақа ҳамроҳлар ҳадеганда топилавермади. Ўшандай кунлардан бирида

¹⁷¹³ Ҳасанхожа Нисорий бу байтни 1566 йили ёзилган “Музақкири аҳбоб” тазкирасида Бухорода яшаган асли хуросонлик шайх Боязид Пурунийга (Навоийга ҳам кичик замондош) нисбат берган.

¹⁷¹⁴ Ҳасанхожа Нисорий бу байтни 1566 йили ёзилган “Музақкири аҳбоб” тазкирасида Бухорода яшаган асли хуросонлик (Навоий ҳам ўз тазкирасида тилга олган) шайх Боязид Пурунийга нисбат берган.

хонамда бошимни тафаккур ёқасига тикиб, сиқилганча ўйланиб ўтирсам, тўсатдан, ул жонажон дўстим Мирзо Муҳташам эшикдан кириб келди ва рўпарамда ўтирди. Чунончи демишлар, **байт:**

Агар чанде ки булбул дар гулистон хонае дорад,
Ба қадри ҳиммати худ чуғз ҳам вайронае дорад.
[Анчадан буён булбул тутган эрса гулистонда хона,
Ҳиммати кадрига кўра бойқушда ҳам бор вайрона].

– Иншоаллоҳ, қачон йўлга чиқмоқчилар энди? – дея сўради дўстим.

– Агар карвон бўлса, ҳозирок кетмоқчиман, – дедим мен. У бундай жавобимни эшитиб, ўйга толди ва бироздан сўнг бошини кўтариб: – Битта сирим бор эди, Сизга ёрилмоқчиман. Аммо, шарти шуки, уни ҳеч кимга ошкор қилмаслик учун ўртамизда айхду паймона тузилиб, қасам ичилади. Чунки, **мисраъ:** Ки ишқу мушкро натвон нуҳуфтган (Ишқ билан мушкни яшириб бўлмас); – деди. Фақир менга ишонмаётганидан ҳайратга тушдим, ул яхшилар яхшиси эса ҳадеб шу шарт сари ундайверди.

– Эй биродар, оғзига маҳкам бир қаландарман, жаҳон кезиб, турмуш иссиқ-совуғини кўрган, ҳаёт аччиқ-чучугини татиган, замона яхши-ёмонини хўб синовдан ўтказган бир сайёҳман. Модомики, шундай экан, ҳеч қачон сенинг сирларингни ошкор этмагайман, – дедим, аммо, шунга қарамай шартларини адо этиб, ҳеч кимга оғиз очмаслик борасида қатъий сўз бердим. **Мисраъ:** Сирри ту миёни жон ниҳон хоҳам дошт [Сирингни жон ичра тутгим пинҳон].

Шундан сўнг ул жонажон дўст: – Бир куни айланиб юриб, йўлим Пари султоннинг Хусрав обод мавзесидан тушиб қолди. Иттифоқо, ул нозанинлар бошлиғи канизлари билан шаҳарга кетаётган экан. Қарангки, катта йўлда унинг олдидан чиқиб қолибман. Назарим ул шарқ қуёшига тушган ҳамоно ул ойни алдовчи жоду зотлининг ишқи дилимга ўрнашиб, сабрсизлик тупроғи сари юз тубан қуладим. Дилда неча бир дард билан уйга қайтдим. Шунингдек, уд маҳбублар султонининг ҳам кўзи менга тушибди ва менинг ишқим ўқи ул обидни алдовчи ишвагар пайкондек таъсир этган экан. Мен эса бундан ғофил борган сари айрилиқ оловида куйиб-ёнардим. Бир куни ул ой ёғдули пари айёрлиги ўқини кўриб Иблис ҳам тол баргидек дағ-дағ қалтировчи, ишқ фани-ю, муҳаббат соҳасида устоз, кўнгилдагини ўқиш мактаби ва ошиқ-маъшук дилидагини уқиш ишида устозлик байроғини ҳилпиратувчи, қўшмачилик мансабида ҳикмат ноқорасини чалувчи, таништириш қонунларини ўргатиш ва толибу матлубнинг нозу ниёз маърифатида билимдонлик довулини қоқувчи бир кампир орқали хабар етказди ва ўз ишқи изҳорини баён этди. Мен бу муждани эшитиб, ул кампир бошидан парвона каби айланиб-ўргилдим. Натижада, мен билан ул ой юзлик ўртамизда ошиқ-маъшукликнинг барча қоидалари мустаҳкамланди. Аммо, висол оқшоми Аҳмар гугуртидан ҳам ноёброқ эди. Ва ул гул юзлик мени Хусравободга таклиф қиларди, мен эсам ширин жонимдан кечишни хоҳламасдим. Эндиликда тоқатим тоқ бўлди, ул нодирайи замон ҳол-жонимга қўймай, адо қилди. Иккита йўлни танлаганман, ё хонумондан айрилиб, Сиз билан бирга юзимни мусофирлик томон бураман, ё жонимдан умидимни узиб, жонон кўчасига бораман. Қанча ўйланмай, шу икки ишдан бошқа ҳеч нарса эсимга келмаяпти. Сиз нима дейсиз, – дея, зорланиб менга термулди. Фақир бу саргузаштни ул сарвқадли дўстдан эшитгач, бошим гаранг бўлди ва фикр гирдобиде суза бошладим. Бирор соатдан сўнг жавоб учун оғзимни гапга ростлаб: – Ҳа, ишқ қимматбаҳо бир гавҳар бўлиб, унинг офтоб нуридай товланмаслиги ва кўзга кўринмай яширин қолиши имкон доирасидан ташқаридир. Хусусан, салтанат аҳли ор-номуси баланд бир қалъа бўлиб, унинг устида Анқо қуши кам учади, Семурғ бу қалъа атрофида имкону мажол парини тўқади. Сен бекорчи ҳойи-ҳавас орқасида ажал сари югурма ва аждаҳо оғзи томон беҳуда қадам босма, ҳеч қачон жунунлик саҳросида бекорчи кезма, Мажнун каби расволик саҳросида бош оққанча юрмагилки, зарра сира ҳам қуёш ҳалқасига қўл ура олмайди, пашша осмон томига ета олмайди. Агар бу ишни ихтиёр айласанг, кўлингни ўз қонинг билан ювасан. Одамзод яратилгандан бери ишқ диллар билан қоришиш даъвосини қилиб, инсоннинг табъи ва мизожига айланган. Бу бидъат фақат бизу сизнинг замонага хос нарса эмас. Ахир Юсуф ва Зулайхо ҳикоясини эшитмаганмисан, Ширин ва Фарҳод қиссасини ўқимаган эдингми, Лайли ва Мажнун достонидан бирон бобни ёддан туширмаганмисан? Оламда ишқ ғавғоси бошига тушмаган бирор одам бормикан? Кимнинг дил садафида ишқ гавҳари яширин ўтирмаган экан? – деганимдан сўнг дўстим индамай ўрнидан турганча уйига қараб йўл олди. Бунга қарангки, ўша куниси Мирзо Абу Туроб вилоятнинг барча улуғларини меҳмондорлик учун ўз чорбоғига чорлаган бўлиб, жуда катта бир зиёфат уюштирди. Ул чорбоғ шаҳардан бир фарсахлик масофа ташқарида эди. Мен ҳам ўша зиёфатга бордим. Овқат ва яхна ичимликлар тановулидан фориг бўлгач, фақир ўз хонамга қайтдим. Қолганлар эса кечаси билан ул жаннатмонанд боғда ўтиришни давом эттириб, айшу ишрат билан машғул бўлишди. Фақир Мирзо Абу Туробнинг уйига келиб қарасам, пашша ҳам қанот қоқмайди, ҳаммаёқ сув қуйгандек жим-жит. Оламни кезувчи офтобнинг

заррин қанотли товуси ўз манзилгоҳига ошиққач, туннинг қаролиги оламни ўз қаърига олгач, фақир уйқуга кетдим. Гапнинг қисқаси шуқим, Мирзо Абу Туроб уйини кимсасиз қолдириб, чорбоғига юзланган пайтда биродарим Мирзо Муҳташам ҳам анчадан буён айнан шундай пайтни пойлаб юрган ва жонон кўчасидан ўтиши эса ақлдан узоқ бўлиб турган эмасми, дарҳол Эрон маликаси ҳузурига даракчи юбориб, воқеадан хабардор этибди. Ул дилбар бу сўзни эшитган заҳоти мажнунвор икки гўзал канизи ва ул маккора кампир билан тун ярмидан оққанда Хусравхонни Хусравобод боғида уйқу оғушида қолдирганча севгилиси қасри томон йўл олибди. Бу савдогарвачча ҳам бўш уйни зебу зийнатлар билан безаб, айшу ҳузур асбобларини тайёрлаб ул пари юзлик йўлида бутун вужуди кўзга айланиб, ул Эрон бонуси қадамига зор бўлиб ўтирибди. Шу пайт эшик тақиллабди ва йигит ўрнидан сапчиб туриб, ўйнашини кутиб олибди ва ошиқ билан маъшук бир-бири жамолига мушарраф бўлибдилар. Биргаликда айшу ишрат хонасига ошиқиб, бир-биридан мурод-мақсадини ҳосил қилибдилар. Сухбат чоғида Пари султон ўзининг Хусравобод чорбоғида канизларнинг менга нисбатан қилган ишларини сўзлаб берибди. Биродарим Мирзо Муҳташам бу воқеани эшитган заҳоти кула бошлабди ва «ўша айтаётганингиз қаландарвачча ҳозир шу қасрда роҳат тўшагида ухлаб ётибди, эртага Турон ўлкасига кетмоқда» дебди. Малика менинг шу ерда эканимдан воқиф бўлгач, биродарим Мирзо Муҳташамдан ул қаландарваччани менинг олдимга келтиринглар, дея илтимос қилибди. Канизлар қанчалик бунга қаршилиқ қилсалар ҳам, фойдаси бўлмабди ва мени келтиришлари борасидаги гапидан сира қайтмабди. Биродарим қараса, бўлмайдиган, ноилож ўрнидан туриб, фақир ётган хонага юзланибди. Ўша чоғда камина айни ширин уйқуда ётган бўлиб, эшик тақ-тақига уйғониб кетдим. Тезликда эшикни очдим ва ул хублар подшоси саналмиш дўстим ёнида иккита суман тароватли каниз билан кўлида кофурий шам ушлаганча хонага кирди. Яхшилаб қарасам, биродарим подшоҳона либосларда ва кашмирий атрларни сепган, ўзини чунонам зебу зийнатга буркаган ва ихлос билан ювиниб-таранган ҳолда бир ҳусни юз ҳусндан зиёда бўлиб турибди. Ҳайратдан донг қотиб қолдим. Ул танноз чаққонлик билан кўлимдан ушлади ва ташқари сари етаклади. Фақир «мени бу ярим тунда парранда-ю, балиқлар ором олаётган маҳалда қаерга олиб бормоқчисан» деб сўрадим. У эса жим бўлишимни буюрди. Гап нимадалигини айтишини қанчалик илтимос қилмайин, сира ҳам гапимга қулоқ осмади. Ноилож, мен ҳам бўйсуниб, орқасидан кетавердим. Улар ўтирган ерга етишгач, хонага олиб киришди ва ана шунда умримда кўрмаган бир зиёфат ўтириши уюштирилгани гувоҳи бўлдим. Кўзим хона тўридаги ноз ўриндиғида суяниб ўтирган Эрон маликасига тушгач эса ҳайратим юз чандон ошди. У ҳусн осмонининг порлаган юлдузи ва жамол дурларининг энг аъло гавҳари бўлиб, жаҳонни ёритувчи қуёш бу малика юзи оташидан нур олар ва ой унга ғуломлиги шарафидан жаҳон кўзига азиз бўлиб кўринар эди. Бу ҳолни мушоҳада қилиб, бошдан ақлим учди ва йиқилишимга оз қолди. Ўзимни зўрға ушлаб, одоб палосини ўпдим. Чунки сал ўзимга келиб билдимки, қайсидир йўл билан ул Эрон қуёши бу ердан порлаб чиқибди. Малика, кўз қири билан хона четига ишора қилди. Таъзим ва ҳурматини етук даражада ўрнига қўйганча кўрсатган ерида ўтирдим. Малика чунонам дуру гавҳарга ғарқ бўлган эдики, ул қимматбаҳо тошчаларнинг шўъласидан машъалга ҳожат қолмаганди. Бироздан сўнг менга қараб, **мисраъ:** Нахустин бор гуфтааш аз кужойи? (Илк бор сўрагани «қайдин сен» дейиши бўлди); – Эй қаландарвачча, қайси баланд ошиёндин учирма бўлгансан ва қайдин келурсану қайга бормоқчисан ва исминг недур, не касбинг бор? – дея сўради. Мен эсам: – Эй етти мамлакатнинг оий, дунё кезган бир қаландарман ва жаҳон кўрган ва замона кулфатларини хўб татиган бир сайёҳман. Турон иқлимининг Фарғона заминидан бўламан ва исмим Ҳакимхон, байтуллоҳ сафаридан қайтиб, Мовароуннаҳр сари ирода қилганман, – дедим. Малика яна: – Худо ҳаққи, бошингдан кечирган саргузаштингни батафсил ва ростгўйлик билан менга сўзлаб бер, токим мен шод бўлай, – деди. Фақир шунда ушбу байтни ўқидим, **байт:**

Осуда шабе бошаду хуш махтобе,
То бо ту ҳикоят кунам аз ҳар бобе.
[Бирор осуда тун бўлса-ю, сендек ой жамол,
Шунда сўзлардим ҳар тўғридан бир достон].

Малика бу байтни эшитиб «мана ўша сен айтаётган оқшом ушбу тундир» деб юборди. Ниҳоят, фақирингиз тўғриси сўзламакдан ўзга чорам қолмай, бошдан-охир саргузаштимни бир хулоса ҳолга келтириб, баён қилдим. Ул хўблар маликаси бошимдан ўтган можаро ва воқеаларни эшитгач, ҳолимга раҳми келиб, менга марҳамат ва шафқат юзасидан бокқанча иззат кўрсатиб, ўз ёнидан жой берди. Сўнг кўшимча қилиб: – Ўша Хусравобод зиёфати бўлган кун Сиз томонингиздан амалга ошган ҳаракатларни кўрибоқ, улуғ бир хонадондан эканингизни юрагим сезган эди. Қизларни Сиз томон юборган мен эдим, орқадаги кўшқда кузатиб ўтирган эдим, – деди ва давом этиб: – Бизни-ку

кўриб турибсиз, тақдир дил этагидан ушлаб, тортқилай-торқилай судраганча дўст ҳузурига келтирди ва ишқ занжирини оёғимизга боғлади, муҳаббат арқонини бўйнимизга ташлади. Эндиликда ор-номус нималигин билмасман, ғаму шодлик не эканини англай олмасман. Эй қаландарвачча, айтгил, бу ҳолга не сўзлар ярашиқ? – деди. Фақир малика тилидан бу сўзларни эшитган заҳоти чуқур ўйга толдим ва нима деб жавоб беришимни билмай қолдим. Анча фикр юритгач, тилимда ушбулар жорий бўлди, **маснавий**:

Насозад ишқро кунжи саломат,
Хушо расвойи кўйи маломат.
Ғами ишқ аз маломат тоза гардад,
В-зи ин савдо баланд овоза гардад.
Маломат сайқал зи нигори ишқ аст,
Маломат шихнаи бозори ишқ аст.
[Парҳезкорлик гўшаси ишқ учун эмас,
Бунга маломат кўчасидан яхшиси бўлмас.
Ишқ ғами маломатлардан тоза бўлур,
Бу савдо сабаб баланд овоза бўлур.
Маломат ишқ юзидан топар сайқал,
Маломат ишқ бозорин посбондек сақлар].

Малика фақирдан бу жавобни эшитгач, мириқиб кулганча хурсандлик изҳор этди ва сўнг «Сизнинг Туркистонда ҳам шеър битиш уддасидан чиқадиган кишилар борми?» деб сўради. Камина «ҳа» дедим ва бир нечта замондош шоирларимиз шеърларидан ўқиб бердим. Маликага улар ичидан фақат мавлоно Ҳозикнинг ашъори маъқул келиб, ғоятда табъига ёқиб тушди. Шундан сўнг менинг шарафимга ўртадаги дастурхонга турли-туман мазали таомлар ва лазиз ичимликлар келтириб қўйишди. Хулласи калом, таом емакдан бўшагач, малика ул ой бадан, анбар сочли канизга давра бўйлаб гулранг бодани айлантормаққа буюрди ва ўтирган ой андомли гўзаллар қадаҳ кўтариш билан машғул бўлишди. Шу орада менга ҳам ичишни таклиф қилишди, мен эсам узримни одоб ила чиройли бир тарзда билдирдим. Фақирни ўз ҳолимга қўйиб, ўзлари май ичишда давом этдилар. Бирор соатдан сўнг ул икки ошиқ пешонасида мастлик белгиси кўринди ва ўртадан ҳаё кўтарилиб, қайта-қайта ушбу **маснавий**ни ўқишга тушдилар:

Ба роҳат умрҳо ҳар сў давидам,
Ки аз дури ба наздики расидам.
Чу наздик шуди, наздиктар шав,
Сарамро тожу, тожамро гуҳар шав.
Асирам, мубталоям, беқарорам,
Саропо ташнаи бўсу канорам.
[Роҳатда бир умр ҳар ён югуриб,
Узоқдан яқинликка етишдим.
Яқинлашдингми, яна яқинроқ бўл.
Бошимга тож, тожимга гавҳар бўл,
Асирман, мубталоман, беқарор,
Ташнаман ўпишиш ва кучоққа].

Хулласи калом, буниси гоҳида унисининг ҳусн баҳорида қўлга киритилган томоша гулларини терарди ва гоҳ унинг булоғидан ҳаётнинг зилол сувини ичарди. Бора-бора ҳар икки муштоқ бошида муроди ҳосиллик ҳаваси баланд кўтарилди, беқарорлик асбоби бир-бири билан қоришиб кетди, чунончи шоирлардан бири ўз **маснавий**сида шундай демиш:

Ду ошиқро қарор аз дил бар афтод,
Нишоти комрони бар сар афтод.
Ҳавойи дил ҳавасро шуд инонгир,
Шикеб аз дил бурун бар жаст чун тир.
Даҳонаш бар даҳонаш бўс бар бўс,
Миёнаш бо миён ҳамдўш-ҳамдўш.
[Икки ошиқ қарори дилдан кўчди,
Бошлар шодлик, кайф ҳиссига чўмди.
Дил истаги ҳавасга бўлди жиловдор,
Сабр дилдан чиқиб, ўқ каби учди.
Оғизлар оғизга тегиб, оларди ўпичлар,
Беллар бир-бирига елкадош бўлиб чирмашди].

Алқисса, фақир яхшилаб қарасам, уларнинг хатти-ҳаракатларига путур етган, мастликлари меъеридан ўтган. Ўпич ва қучоқлаш бозори ривож олиб, ушбу ҳол юзага чиққан, **байт**:

Бўса калиди дари ганжи вафост,
Бўса ки шуд дигар вай аз қазост.
[Ўпич вафо ганжи эшигин калити,
Бўса олинса демак бу тақдир тақозоси].

Ўша маҳал айёр кампир ул икки муштоқнинг кўзини шамғалат қилиб, аста-секин шундай латифа омиз сўзларни айтардики, кулавериб, сал бўлмаса ҳушдан кетаёздим. Аммо, қаттиқ кулишдан кўрққанимдан ўзимни тийиб, табассум қилиб ўтарардим. Масалан, ошиқларнинг ҳар бир ҳаракатига қараб, шунга яраша латифа айтарди ва бир гал бошим сари энгашиб-эгилганча қулоғимга деди: – Эй фарзанд, бу ҳақда шоир нима деганини эшитмаганмисан, бўлмаса эшит, шоир демиш, **қитъа**:

Аз ҳакиме боз пурсидам ки: овоз аст чанд?
Гуфт: моро дар жаҳон овоз чор омад писанд,
Қулқули бонги суроҳи, мармари сиху кабоб.
Жум-жуми бўсу канор ва сур-сури эзор банд.
[Бир донодан сўрадим: овозлар неча тур эрур?
Деди: мен учун жаҳонда тўрт овоз маъқулдур.
Май идишин қулқули, сиху кабоб жиз-бизи.
Ўпич чўлп-чўлпи-ю, ишқирнинг чийиллаши].

Ўша чоғда малика ўта мастлик билан менга қаради ва «эй қаландарвачча, ҳалигача шу ерда ўтирибмисан?» деб сўради. «Ҳа» деб жавоб бердим. Дарҳол кўлимга эллик тилло тутқазди. Қарасам, булар нафси амморага гирифтор бўлиб, бу ерда салтанат ору-номусини оёқ ости қилган кўйи давлат обрўсини тўкмоқдалар. Шунинг учун фақир секингина ул залолат гирдобидан кўпиб, ўзимни четга олдим ва ўз манзилимга келиб, роса хўрракни отдим. Офтобнинг заррин қанотли Семурғи тубанлик ва бузуклик оламининг нилгун уфқини қамраб олганда ва қоронғу тун ўз Занжибарига шошганда фақир уйқудан турдим. Ўша маҳал Мирзо Абу Туроб ҳам чорбоғдан қайтиб келган экан. Биродарим Мирзо Муҳташам уйқусираганча отаси олдида ўтирибди. Мен ҳам улар олдида бориб, ўтиришга шерик бўлдим. Сухбат орасида отаси нигоҳидан яширин суратда кўз қирим билан биродарим томонга ишора қилиб кўярдим. У эса лабини тишлаганча жуда усталик билан бу **байт**ни қайта-қайта ўқиб кўярди.

Сўйи ман лаб чи мегази, ки мағуй,
Лаби лаъле газидаам ки мапурс.
[Менга қараб нега лабинг тишлайсан, индама,
Сўрама, бир лаъли лабни тишладим, индама].

Ўша аснода Хусравхон Сулаймон Оғо исмли ўз надимини Эрон шоҳининг *маҳрами* билан бирга ўн минг тилло тортиқни саройга солиқ сифатида элтиш учун тайинлабди. Ҳозир ўшалар Эрон пойтахти томон кетишаётган экан. Фақир бу хабарни эшитиб, дарҳол Хусравхон олдида бориб, кетишга руҳсат олдим. У менга бир олий от билан бирга икки қути аъло навли мумиё, «Нафоис ал-мазмун»¹⁷¹⁵ номли битта китоб ва юз тилло тортиқ қилиб, кетишимга ижозат берди. Уйга келиб, Мирзо Абу Туроб ва жонажон дўстим Мирзо Муҳташам билан неча бир дард-аламда бир-биримизнинг юзу кўзимиздан ўпишиб хайрлашдик.

Фақирнинг Эрон пойтахти томон йўлга тушгани

Алқисса, Сулаймон Оғо ва Шоҳ *маҳрами*, яъни Али Акбар билан бирга Техрон сари юзландим. Энди бу пайт эгнимга эронча қизилбошлар кийимини кийган, уларнинг ёшларига ўхшатиб шиача зулфимни қулоғим устидан олдинга осилтириб ташлаган эдим. Эронликларнинг форсча шевадаги тилини ҳам фасоҳатли бир йўсинда ўзлаштириб олгандим. Шу даража уларга ўхшаб кетардимки, ҳеч ким менинг сунний мазҳабидаги одам эканимни била олмасди. Ана шу кўйи йўл юриб борардим. Анча йўлни босиб ўтгач, Рашт¹⁷¹⁶ вилоятига кириб бордик. Бу йўлимиз аслида бироз чапроқ эди, аммо, у ердан ўтишимиз бир сабаб билан рўй берди, яъни ҳамроҳларимнинг бу шаҳарда бир идоравий зарур иши бор экан. Бу юрт Эроннинг энг яхши вилояти бўлиб, жуда фаровон ва обод ўлка. Анбар ҳидли гуруч шу ерда етиштирилади. Бу ўлканинг хотин-қизлари ниҳоятда чиройли

¹⁷¹⁵ “Нафоис ал-мазмун” муаллифи ва қандай асар экани номаълум.

¹⁷¹⁶ Эрондаги Рашт вилояти – Эроннинг шимолида, Каспий денгизи соҳилида жойлашган шаҳар, Гелон вилоятининг маркази.

бўлишиб, табиатларида шўхлик устунлик қилади. Улар амалий санъат ишида ўта моҳир бўлиб, кўпинча иштон боғини жуда чиройли ва мустаҳкам тўқишади. Эроннинг барча ерларига бу санъат тури маҳсулотини шу Раштдан олиб кетишади. Ана шулар сабабли ҳам бир шоир бекорга ушбу қитъани битмаган:

Духтароне ки сокини Раштанд,
Мисли товус маст мегарданд.
Гала-гала ба кўчаву бозор,
Банди ийзор ба даст мегарданд.
[Рашт шаҳрида яшовчи қизлар,
Товус каби шаҳар кезишади.
Тўп-тўп бўлиб кўчаву бозор аро,
Қўлларида иштон боғи ушлаб юришар].

Йўлдошларимнинг Рашт шаҳрида ўтириш қилгани ва ўша ерда фақирнинг бир солиҳа аёл билан суҳбатлашгани зикри

Алқисса, ул шаҳарга кириб келгач, бу бизнинг йўлдошимиз Сулаймон Оғо деганлари шўх киши чиқиб, ўша кечасиёқ Раштдаги ўхшаши ва тенги йўқ тўрт нафар гўзал фоҳиша аёлни бошлаб келди ва кирови бир ўтириш ясаб, майи нобни даврада айлантириб, айшу ишратга машғул бўлишди. Булардан қочиб қутулай десам, кириб дам оладиган бошқа хонам ҳам йўқ эди. Ноилож, эзилиб-сиқилганча улар орасида ўтиравердим. Ул пари чехралар эса ҳадеб менга тегажқлик қилишарди. Уларнинг бу иши ушбу ҳолга муносиб эди, **байт**:

Қаландармашрабу мутрибнаво бош,
Ба ҳафтоду ду миллат ошно бош.
[Қаландар машрабу мутриб наво бўл,
Етмиш икки миллатга ошно бўл].

Фақир ҳам шўхлик юзасидан ёлғон хушомадлар билан кўнгилларини шод этиб, ушбу янглиф сўзларни айтардим, **байт**:

Гуфтам эй гул, бўса бар рўят занам ё бар лабат?
Гуфт: ошиқ чашм дори, бин кужо нозиктар аст!
[Дедим эй гул, юзингдан бўса олайми ё лабингдан?
Деди: ошиқ, ахир кўзинг бор, қара қаерим нозикроқ!)

Қарасам, бу ўтириш аҳлининг мастлиги ҳаддан ошган ва фақир секингина ташқари чиқдим. Бу окшомиси жуда қоронғи бўлиб, қаерга боришимни билмай қолдим. Тўсатдан бошига оқ чодир ёпинган бир аёлнинг олдимда турганини кўриб қолдим. Аёл салом бериб: – Анави шерикларингизни бир неча бор кўрганман. Бу ердан кўп ўтишган. Сизни эса ҳеч кўрмаганман. Худо ва расулини шафеъ келтириб сўрайманки, тўғриси айтинг, қаердан келяпсиз ва қаерга боряпсиз? Бунини сўрашимдан мақсад битта билиб олмоқчи бўлган муаммоим бор. Ўшани ҳал этмоқчиман, – деди. Фақир хотиндан бу сўзларни эшитиб ҳайратга тушдим, аммо, Аллоҳ ва пайғамбарни ўртага қўйиб гапиргани учун тўғриси айтишдан ўзга чорам қолмай: – Қаландарман, ҳаждан келмоқдаман ва Турон ўлкасига кетмоқдаман, – дедим. Аёл ҳаж сўзини эшитгач, оёғимга йиқилганча: – Мақсудимни топдим, келинг, уйимга ташриф буюринг ва мен бўлиб ўтган воқеани айтиб, мана энди саволимга жавоб топилганини билдирай, – деди. Мен аёл бечоранинг сўзларига ишонқирамай, бу унинг ҳийлаларидан бири бўлса керак деб ўйладим, ахир демишларку, **байт**:

Набояд ғофил аз макри занон буд,
Ки ҳар соат занад сад хона бар бод.
[Хотинлар макридан ғофил бўлмаслик лозим,
Улар макр билан ҳар онда юз уйни хароб қилишади].

Ва ул бечора фаросат кўзи билан сўзини васваса ўрнида мушоҳада қилаётганимни кўрди ва оғзини қасам учун очиб, дину иймон билан онлар ичганча кўп илтижо қилди. Сўнг сўзига ишонч ҳосил қилиб, орқасидан бордим ва уйига кирдим. Уйи шинам ва чиройли, қимматбаҳо палослар тўшалган хоналардан иборат бўлиб, мен кирган хонанинг бир бурчагида бир бешик турганди. Аммо, уйда ўша хотиндан бўлак ҳеч ким кўринмасди. Аёл ҳусну жамолда ҳеч кимдан қолишмасди. Бир ажойиб томони шунда эдики, лаби устида худди ўспирин маҳвашлар каби тоза туклар майса урганди. Шу заҳоти олдимга турли-туман қанд-қурс, ҳолва ва ширинлик, таомлар тортди. Таом тановулидан сўнг «эй хотин, бу қадар меҳрибонлик ва ҳурмат сабаби недур?» деб сўрадим. Хотин сўзга тушди: – Аҳли суннат ва жамоат мазҳабидаги бир аёлман. Бу шаҳарда мендан бошқа биронта сунний мазҳабли

киши йўқ, шу сабабли мен ҳам шиалардан кўрқиб, мазҳабимни яшириб юрибман. Бу кўраётганинг ҳовли менга қарашли. Жуда бой-бадавлат эрим бор эди. Дорилфанодан дорилбақога кўчиб ўтди. Эримдан бўйимда қолиб, мана уч кун бўлди ҳазрат парвардигор йўқлик қаъридан бир фарзанд вужудга келтирди ва ўша чақалоғим мана шу кўриб турганинг бешикда пишиллаганча ухлаб ётибди. Бу чақалоқ туғилганининг иккинчи куниси тушимга юзи оппоқ бир мўйсафид кириб «уч кундан сўнг уйингга бир сайидзода келади, фарзандингни албатта унинг этагига ташла» деди. Уйқудан уйғонгач, юрагимга бир воҳима тушди ва бу тушни солиҳа рўёлар қаторида билиб, ушбу кун мунтазир ўтирсам Сиз ташриф буюрдингиз. Чунончи, Мирзо (Бедил) дейдилар, **мисраъ**: Хоби мо ғафлатсириштон маҳзи авҳом асту бас (Биз ғафлат босганларнинг уйқуси ваҳимадан ўзга нарса эмас]. Кўзим Сизга тушган заҳоти фаросат илми билан англаб, кўнглим ўша одамнинг Сиз экани ҳақидаги тўхтамга келди. Шунга кўра гўстохлик юзасидан хизматингизга ўз муддоимни арз қилдим, – дея ўрнидан турди ва бешикдан чақалоғини ечиб олиб, этагимга ташлаган кўйи «бу болага ном кўйиб беришни Сиздан тилайман» деди. Аёлнинг бу сўзларини эшитиб, фикр денгизига чўмдим, аммо, қанча ўйламайин бу ишда не ҳикмат борлигига сира ақлим етмади. Ноилож, ул гўдак фарзандга «Солиҳ» деб исм кўйиб бердим ва ҳаққига эзгу дуолар қилдим. Ул хотин «назр» дея олдимга бир маржон тасбиҳ ва тўққизта ипакдан тўқилган иштон боғи кўйди. Айтмишлар, **байт**:

Кас намедонад дар ин баҳри амик,
Санг реза кадр дорад ё ақиқ.
[Одам билмайди бу чуқур денгизда,
Шағал кадрлими ёки лаълу ақиқ].

Ўша маҳал Сулаймон Оғо менинг номимни тутиб чақирганча ҳар тарафни ахтаришга тушганди. Мен ул бечора аёл билан хайрлашиб, секингина ташқарига чиқдим. Шерикларим қанча изласалар ҳам мени топа олмай, ниҳоят, бу мастларнинг ҳар бири бир бурчакка думалаб тушишди. Мен эсам бироздан сўнг ўз хужрамга бориб, хотиржамлик билан уйқуга кетдим. Эртаси куни ул шаҳардан чиқиб, мақсад сари юзландик. Бир неча масофани босиб ўтгач, Эрон мамлакатининг пойтахти Техрон шаҳрига кириб бордик. Техрон жуда катта ва обод, фаровон бир шаҳар. Азиз ўқувчилар кўнглидан яширин қолмасинким, ҳарқалай, бу шаҳар Эрон мамлакатининг пойтахти бўлгани сабабли таърифи баёнига ҳожат йўқ. Шаҳар гўзаллиги учун кўнгилик бир неча кун шу ерда қолишни ихтиёр қилиб, ҳар кун сайру-истироҳат билан кўчаву бозорлар томошасига чиқиб юрдим ва дунёнинг турли-туман ажойиботларини кўрдим. Бир куни шу ўрганган одатимга кўра шаҳар чорсусидаги бир дўконда ўтирган эдим, кутилмаганда икки ой юзли йигит ғоятда тенгсиз ҳусну жамол ва пўрим кийинишда баркамол суратда олдимга келиб, салом беришди ва «Сиз жанобларини Бухоро амирзодаси чақирдилар ва Сизни интизорлик билан кутиб ўтирибдилар. Икки кун бўлди келганингизни эшитганларига, шу икки кундан бери Сизни ахтариб юргандик « дейишди. Фақир «амирзодангиз ким бўладилар?» деб сўрадим.

– Дин Носирхон ибн Шохмуродбий валинеъматнинг азиз фарзанди бўлиб, ҳозир Носирхоннинг ўзлари дор ас-салтана Румга кетганлар. Ҳасан Али Мирзо ибн Фатҳали шохнинг куёви бўлмиш мазкур ўғли эса кўчи билан шох ҳузурида ўтирибдилар, – дейишди келганлар. Фақирингиз илгари ҳожилардан қиблагоҳ отамнинг ўша амирзода уйига ташриф буюргани ҳақида эшитган эдим. Мана бир неча йилдан бери қиблагоҳ отамдан тайинли бир хабар ҳам йўқлиги учун бу тўғрида бирон нарса билиш илинжида дарҳол келган йигитларга эргашганча мазкур амирзода уйи сари равона бўлдим. Амирзоданинг уйига етишгач, ул мухтарам зот кутгани чиқди ва катта ҳурмат билан қаршилади. Қиблагоҳ отам ҳақида барча билганларини айтиб берди ва ўз ёнидан жой кўрсатди.

Фақирнинг Эрон шох Фатҳали шох Қожор билан мулоқот қилгани зикри

Эртаси куни амирзода мен ҳақимда Фатҳали шохга гапириб берибди ва шох ўзининг икки маҳрамани фақир олдига жўнатди. Маҳрамлар шошилиб келган кўйи «Сиз жанобларини шох чорламоқдалар» дейишди. Фақир шу заҳоти ўрнимдан туриб, султонлик саройи сари ошиқдим. Қасрга яқинлашгач, жуда бир баланд қалъага кўзим тушди. Дарвоза орқали қалъага кирдим. Ичкаридаги кўчанинг икки тарафини олий дўконлар билан ораста қилишган ва улар ҳар хил мато ва газламалар билан лиқ тўла. У ердан ўтиб, яна бир дарвозага етишдик. У ердан ўтиб эса жуда бир кенг майдондан чиқдим. Майдон атрофининг ҳамма жойи олий кўшклар билан ўралган. Подшоҳлик ишларига алоқадор девон хизматчилари ва бошқа нозирлар девонхоналарда ўтириб, ўз вазифаларини адо этишарди. Майдон ўртаси аждоҳо ҳайбатли тўпларга лиқ тўла. У ердан ҳам ўтгач, учинчи

дарвозага келдим. Подшоҳлик кўринишхонаси эканини сездим. *Тавочи*¹⁷¹⁷лар ва *махрамларнинг* ҳар бири ўз ўрнида хизматга бел боғлаб туришибди. У ердан ўтгач шоҳ ўтирган хонага етишдим. Ниҳоятда кенг кўрунушхона бўлиб, деворлари бутун кошиндан, уларга эса девлар суратини жуда ўхшатиб чизишган. Оёқ остига ҳам кошин терилган. Ул манзил ўртасида икки томонлама қаторасига чинор ўтқазилган, улар жуда катта ва баланд бўлиб, осмон қадар бўй чўзиб туришибди. Фавворалардан дилбарлар қомати сингари осмонга отилаётган сувлар яна қайтиб майдонга тушган кўйи ҳар томон сари шилдираб оқмоқда. Иттифоқан, ўша куниси Рум элчиси кўрунишга келган экан. Шунинг учун шоҳ кўруниш чақириб, шиа мазҳабига мансуб амирлар қимматбаҳо либослар кийган ва ясан-тусан ҳолатда икки томонда саф тортиб туришган эканлар. Манзил тўрида баланд қилиб бир қаср қуришган, унинг олдида ниҳоятда баланд бир айвон ва шифтини тўртта йўғон-йўғон мармар тош устун ушлаб турибди. Устунларни тилло суви билан безашган ва айвон шифтига фаранги ойналар ўрнатилган. Айвон деворлари Моний қалам мусаввирлар мўйқалами остидан чиққан жонивор ва ўсимликларнинг ўзига ўхшатиб чизилган чиройли суратлар билан безанган. Уларни кўрган киши тирик деб ўйлаши турган гап. Айвон олдида мармар тошлардан олий бир фаввора қуришган, худди Шомнинг ҳозирда Дамашқ жомеъ масжидида мавжуд фавворага ўхшайди. Айвон остида яшм тошидан бир тахт қуришган, уни яшм тошидан жуда ўхшатиб йўнилган тўртта дев ва тўртта шер ҳайкали ўз боши узра кўтариб турибди. Тахтга тилло сувидан нақш ва безаклар берилган, тахт тепасида шоҳ боши узра соҳибқирон Нодиршоҳ Ҳиндистондан келтирган товусни думлари ёйилган тарзда соябонга ўхшатиб ўрнатиб қўйибди. Товус узоқдан тахтда ўтирган каби кўзга ташланиб туради ва шу сабабли уни «товус тахти» дейишаркан. Товус тамомила саидий зумрайдан ясалган. Унинг шўъласи оламни ёритмоқда. Шоҳ тахт узра ўша тўрт бурчак товус тахти остида ўтирибди, бошида тож ва жавҳарлар денгизига ғарқ. Жумладан, билагига «Дарёйи нур»ни тақиб олган. Бу тош шундай ялтирар эдики, шўъласидан инсон нигоҳи қамашиб, бутун вужуди титраб кетарди. Шоҳ кекса ва соч-соқоли оқарган бўлишига қарамай, назаримда, шу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммасидан ҳам кўркам ва чехраси фаришталироқ эди. Бу шон-шавкатни кўриб, ҳушимдан кетай дедим. Ана ўшандан бери қачон ёдимга мазкур дабдаба келса, Мовароуннахр ҳокимларини «подшоҳ» деган сўз билан тилга олишдан уялиб кетаман.

Алқисса, шоҳнинг назари каминага тушди. Дарҳол олдига чақирди ва деди: – Ҳуш келибсиз, биз Сизнинг ташриф буюрганингиздан беҳабар эдик. Ҳозиргина амирзодадан эшитдик. Шунинг учун Сизни чорлатдим, – деди шоҳ. Мен эсам одоб билан «бу барча шафқат ва марҳамат олий мартабали подшоҳнинг ғарибпарварлиги нишонасидир, бўлмаса бу олий саройга қадам босишга ким эканманки журъат қилсам. Сиз соҳибқирон жанобларининг мени йўқлатгани сабаб бўлиб, бундай довюраклик мен каби дарбадарда содир бўлиб турибди. **Байт:**

Солҳо бояд, ки то як санги асли зи офтоб,
Лаъл гардад дар Бадахшон ё ақиқ андар Яман.
[Асл тошнинг офтобда Бадахшонда лаълга,
Яманда ақиққа айланиши учун йиллар керак].

– Байрамалихоннинг ўғли Ҳожихон бундан бир неча йил олдин Бухоро ҳокимлари қамоғидан қочгач, сизнинг вилоятга борган экан. Биласизми ўшани? – сўради шоҳ.

– У вақтларда ҳали гўдак эдим. Билмайман. Лекин кўп эшитганман, – дедим мен.

– Бу халқ Ҳожихон ҳақида кўп яхшиликлар қилишган¹⁷¹⁸, – деди шоҳ вазирларига қараб.

Шундан сўнг шоҳ кетишим учун рухсат берди ва мен ётоқ жойимга қайтиб келдим.

¹⁷¹⁷ Тавочи – (мўғулча - ҳисобчи) XIII-XIX асрларда Ўрта Осиё, Хуросон ва Эронда ҳукмдорнинг фармон ва топшириқларини тегишли жойларга зудлик билан етказувчи олий ҳарбий мансабдор, адъютант. Тавочи зиммасига ҳарбий юриш режалаштирилганда салтанат туман ва вилоятлардан, тобе юртлардан ҳукмдор фар-монида белгиланган миқдорда озиқ-овқат, от-улов, ем-хашак, қурол-аслаҳа ва қўшин жам қилиш, лашкаргоҳга йиғилган лашкарни кўрикка тайёрлаш, юриш чоғида, дам олиш ва ов қилиш учун қўшинни қулай манзилларга жойлаштириш, ғаним қароргоҳига яқин келингач, уни қамал қилувчи қисмларни зарур ва қулай истехкомларга жойлаштириш, қўшинларнинг умумий аҳволини назорат қилиб туриш, жинойтчилар ва асирларнинг жазога тортилишидан ҳукмдорни боҳабар қилиш, қамал хавфи туғилганда теварак-атрофдаги аҳолини қалъа ёки кўрғонга кўчириб келиб жойлаштириш сингари вазифалар юклатилган. Тевачи, шунингдек, сарой амалдорлари ишларини ҳам назорат остига олган. Сарой соқчилари ётоқ Тавочиси томонидан доимий назоратда бўлган. Тавочи ўз вазифасига кўра, Сомонийлар, Ғазнавийлар ва Салжуқийлар салтанатида мавжуд бўлган ориз ҳамда нақиб лавозимларига мувофиқ келган. Бухоро хонлигида ҳарбий нозир – нақибга қўшинни жойлаштириш, қурол-аслаҳа билан таъминлаш, ҳарбий ҳаракатлар вақтида лашкарнинг илғор, аръергард, ўнг қанот, сўл қанот ва марказий қисмлари ҳамда пистирмадаги вазиятдан хабардор бўлиш масъулияти юклатилган.

¹⁷¹⁸ 1780 йиллари Байрамалихон қожор Марв ҳокими бўлган. Туркманистондаги ҳозирги Байрамали шаҳрига шу киши асос солган. Унинг отаси ўрнига қолган ўғли Ҳусайнхонни Бухоро амири 1787 йили оиласи билан асир олиб, оила аъзоларини бир-бир ўлдиради, Ҳусайнхон эса Фатҳали шоҳ даврида қочиб қутулганча бир амаллаб Техронга етиб олади. Бу ерда шу воқеалар назарда тутилмоқда.

Бир воқеани ҳикоя қилай. Бундан бир йил бурун Фарангистон вилоятидан Кистаржи исмли хусну жамолда ягона бир ўспирин фаранг подшоҳи олдидан Фатҳали шоҳ олдиға Эрон вилоятиға келибди. Фаранг шоҳи уни ўта чиройли бўлганидан ўз вакили сифатида юборган экан. Эрон шоҳи ҳузуриға етишгач, аввал шоҳ ва шоҳзодалар, балки, бутун мамлакат ул пари чехра хуснининг қулиға айланишибди. Ул маҳваш ўз таъбининг меваси бўлмиш ушбу **байт**ни ёзиб, Фаранг шоҳиға юборибди:

Расон ба шоҳи фаранг ин навиди Кистаржи,
Ба теғи ғамза мусаххар намуд Эронро.
[Етказ Кистаржийнинг бу хабарин Фаранг шоҳиға,
Нозу ишва қиличи билан эгаллади у Эронни].

Ўша кезларда Фатҳали шоҳнинг катта ўғли Аббос Мирзо Табриз ҳокими экан. Тифлис вилоятидан, яъни, Гуржистондан Юсуф исмли бир ғуломни минг тиллога сотиб олиб, отаси ҳузуриға Эронга юборибди. Ҳақиқатдан ҳам бу гуржи боласи сотиб олинган пулиға минг бор арзирли даражадаги ва Зулайхо каби маликалардан мингтаси унинг ишқида ҳайрон ва саргардон бўлувчи иккинчи Юсуфи бўлиб, шоир айтганидек хусну жамоли ҳаммани лол қолдирар экан, **байт**:

Юсуф набувад чун ў дар некўий мукамал,
Наққош нақши сони беҳтар кашад аз аввал.
[Ўзалликда Юсуф ҳам унингдек етук бўла олмас,
Наққош иккинчи нақшни аввалгисидан яхшироқ чзади].

Алқисса, ўша вақтда Юсуф ҳам Кистаржийнинг мазкур байтни битиб, Фарангистонга юборганини эшитибди. У ҳам шоир табиат ўспирин бўлиб, қуйидаги **байт**ни назм ипиға терибди ва шоҳ топшириғи билан Фарангистон подшоҳи ҳузуриға юборибди:

Сабо расон ба фаранги ки Юсуфи сони,
Шикаст равнақи бозори хусни Кистаржи.
[Сабо етказ фарангга, ки иккинчи Юсуф,
Кистаржининг хусн бозорини синдирди].

Фақирнинг Техрон вилоятидан муқаддас Машҳад сари юзлангани зикри

Гапнинг қаймоғи шуким, бир куни сайр қилганча шаҳардан ташқари чиқиб, Шоҳ Абдулазиз қабрини зиёрат этиш учун бордим. Қарасам, Исфаҳон томондан кўп зиёратчилар келишибди ва улар бу ердан чиқиб, муқаддас Машҳад томонга ҳазрат Мусо Али Ризо¹⁷¹⁹ зиёратига боришмоқчи экан. Фақир шошилинич равишда шаҳарга қайтиб келиб, уйимга кирдим ва сўнг бориб, шоҳдан кетишга рухсат олдим. Шоҳ подшоҳлик қоидаси бўйича менга юз тилло билан икки қути асл мумиёни инъом йўсини билан тортиқ қилди. Шоир Зарий айтмиш, **мисраъ**: Расм бошад аз шаҳон чиз расад сайёхро (Расмдурким шоҳлардан бирон нарса етар сайёҳга); Шоҳ олдидан ижозат олиб чиққач, шошилинич тарзда юриб, зиёратчи ҳамроҳларим ёниға келиб қўшилдим ва улар билан биргаликда кўч-кўлонимни йиғиштириб, мақсад сари юзландим. Бир неча масофа йўлларни босиб ўтгач, Руд ва Бистом¹⁷²⁰ вилоятларига кириб бордик. Зиёратчилар ўша ерда уч кун давомида чарчоқларини ёздилар. Фақир ҳазрат султон ал-авлиё ва бурҳон ал- атқие жаноб Султон Боязид Бистомий¹⁷²¹ Аллоҳ *сирларини азиз тутсин* қабрида зухду ибодат билан эътиқофга ўтирдим. Сўнг у ердан кўчиб, яна йўлга тушдик. Бир неча манзил босиб, Сабзавор¹⁷²² вилоятиға келдик. Ул вилоят жуда ҳам обод ва фаровон юрт экан. Аммо, халқи рофизийликда¹⁷²³ барча шиалардан баттар экан. Чунончи, жаноб марҳумий амир Умархон бу ерни кўрмасдан туриб, айтган эдилар, **байт**:

Ҳинду Кашмиру Хўтанда йўқ сенингдек нозанин,
Бош олиб ҳажрингда шаҳри Сабзавор айлай бугун.

¹⁷¹⁹ Ҳазрат Алининг VIII асрда яшаган авлодларидан Али ибн Мусо ар-Ризо кўзда тутилмоқда.

¹⁷²⁰ Руд ва Бистом Симнон вилоятида. Ҳозир Шохруд шаҳристон маркази, Бистом эса бахш (ноҳия) марказидир.

¹⁷²¹ Султон Боязид Бистомий – Боязид Тайфур ибн Исо Бистомий (? – Вистом ш. (Эрон)-875) форс суфийлик оқимининг асосчиларидан бири. Тайфурия суфийлик тариқатининг пири. Унинг бобоси исломни қабул қилган зардуштийлардан бўлган, бутун умрини асосан Бистомда ўтказган. Вафотидан кейин уни «Султон ал-орифин» лақаби билан атай бошладилар.

¹⁷²² Сабзавор – Хуросон вилоятидаги шаҳар, шаҳристон маркази.

¹⁷²³ Рофизий – араб. рофиз - тарк этиш, рад этиш, баъзан маслагидан қайтиш маъноларида. Ўрта асрларда сунний ислом илоҳиётида изчил ислом йўлидан четга чиққан оқимлар, хусусан шиалар (Абу Бакр ва Умар)нинг халифалик ҳуқуқини рад этганлари учун) рофизий деб аталган. Кейинчалик Алини илоҳийлаштириш тарафдорлари бўлган фирқалар (хусусан исмоилийлар) шу ном билан аталган. Умумий маънода рофизийлик имомийлар, алавийлар ва зайдийларга нисбат берилади.

Алқисса, зиёратчилар шаҳар ташқарсида қўш ташладилар. Ўша айёмда фақирнинг мизожи соғлик йўлидан четга чиқиб, қаттиқ бир касалга мубтало бўлдим. Ноилож зиёртчилар карвонидан ажралиб, карвонсаройда ўрнашдим ва бир неча кун шу ерда туриб қолдим. Такдирга қаранг, карвонсарой эгаси олдимга келиб, ҳар тўғридан савол сўради. Касалим кучлилиги сабаб, баттар бўлмайин тағин, дея кўрққанимдан саволларига базўр жавоб қайтариб турдим. Кутилмаганда «суннийнинг шиа бўлиши, аммо, шианинг ҳеч ҳам шиа бўлмасигига сабаб нима» деган қийин саволни бериб қолса бўладими. Фақир аҳволим танглигидан оғзимга келган ушбу жавобни бердим: – Суннийларнинг бир мақоли бор – ҳалводан тоғ бўлади, аммо, тоғ сира ҳам ҳалво бўлмайди.

Ул лаънати ит бу сўзимни эшитган заҳоти ғазабга минди ва «нима бало, аҳли суннат ва жамоат тоифасиданмисан? Мовароуннаҳрликмисан?» деб бақира бошлади. Бу сўзлар қулоғимга етишгач, танимга титроқ кириб, кўрқинчдан дағ-дағ қалтирашга тушдим. Чунки, бу вилоятда кимнинг аҳли суннат ва жамоатдан эканини сезиб қолишса, энг ёмон азобларга дучор қилишларини яхши билардим. Шунинг учун ўрнимдан сакраб туриб «нима жинни бўлганмисан, «Мовароуннаҳр» деб қандай нарсани айтмоқдасан? Унинг бирор таом номими, кийимми ёки тўрт оёқли хайвонми?» дедим. Аблах яна бошқа гаплар билан мени қўлга туширмоқчи бўлди. Мен эса инкор қилавердим. Лекин сира фойдаси бўлмасди. Алқисса, борган сайин мен билан ул ит рофизий ўртамиздаги можаро кучайгандан кучаяверди. Карвонсаройда бор кишининг ҳаммаси устимизга ёпирилиб келишди. Фақир бирон-бир хийла ўйлаб топмасам аҳволим хароб бўлишини сездим. Чунки бу муттаҳам қизилбошларга маъқуллаб «бу одам қип-қизил сунний, ким буни лаънатлаб, азобласа, катта савобга қолади» дерди. Камина жон хавфида эканман хаёлимдан ушбу сўзлар ўтарди, **байт:**

Ду гуруҳанд мардумони талх,
Шиайи Сабзавору суннии Балх.
[Икки гуруҳ эрур бемаза одамлар,
Сабзавор шиаси-ю, Балх суннийси].

Шу жанжал устида турганимизда заруратдан карвонсаройга келган зиёратчилардан бир нечаси мени бу вазиятда кўриб, олдимга келишди. Уларни кўргач, озгина дадилланиб, айёрлик йўлини тутганча «Алҳамдулиллоҳ, пок шиаман, аммо, манави одам мени номусулмон санаб, суннийга чиқариб турибди. Бунинг ҳукми нима бўлади, тухматдан нима дейишимни ҳам билмай ўтирибман, ахир» дедим ва «бир мусулмоннинг бундай жойда ётиб-туриши ақлдан эмас» дея нарсаларимни отга юклай бошладим. Шунда ул малъун «бу сунний одам шу хийла билан қутулиб, жуфтакни ростлаб қолмоқчи» деб қичқира кетди. Зиёратчилар унинг бу сўзларини эшитиб, ул итнинг устига ташландилар ва кўпчиликни ташкил қилганлари учун ғолиб чиқиб, бу карвонсаройнинг лаънати эгасини чунонам дўппослаб уришдики, айтганларидан минг бор пушаймон бўлиб, ёлворишга тушди. Улар эса «ҳали сенми шиа зиёратчиларни сунний деган тухмат билан ҳақоратлайдиган» дея баттар тепкилашарди. Ўша аснода фақир фурсатни ғанимат билиб, уруш билан андармон қолганларида зиёратчилар карвони сари юзландим. Ахир демишлар, **байт:**

Чу душман ба душман шавад муштағил,
Ту бо дўст раҳ гир ба ороми дил.
[Душман душман билан бўлганда жикқа мушт,
Сен дўст билан тинчгина йўлга тушавер].

Зиёратчиларга келиб қўшилгач, карвонсаройда ёнимни олиб қолган зоирлар ҳам ҳалиги итни эзгилаб-янчганча орқамдан етиб келишди. Ўша тунда мазкур жойда дам олдик. Эртасига ул манзилдан мақсад сари юзландик. Касалигим учун оғир қийинчиликлар билан йўл юриб борардим. Анча йўл юргач Нишобур вилоятига етдик. Нишобур об-ҳавоси ниҳоятда яхши жой экан. Фақир бир хизматкоримни нарсаларим билан зиёратчиларга қўшиб юбордим. Ўзим эса яна бир хизматкор билан Нишобурда қолиб, касалимни даволатишга киришдим. Шу орада ўн кун ўтди ва касалим ҳам аста-секин тузала бошлади. Аммо, йўлга чиқай десам, бирорта карвон йўқ эди. Чор-ночор бир неча вақт қизилбошлар орасида истиқомат қилиб турдик.

Туркманларнинг бу саргардон бечорани қон ютар ул сахрода тунаганлари зикри

Иттифоқо, тўртта йўқсил шиа биргалашиб, мен бораётган томонга кетадиган бўлиб қолишди. Мен ҳам уларга қўшилиб, Тус¹⁷²⁴ шаҳри сари юзландим. Чинорон¹⁷²⁵ манзилига етишгач, у ердан

¹⁷²⁴ Тус/Тўс – Эрондаги шаҳар, остон маркази.

¹⁷²⁵ Чинорон ҳозир Эроннинг Хуросон вилояти Чинорон шаҳристониинг маркази.

чиқиб, тоғлик йўллар бўйлаб кета бошладик. Тақдирни қаранг, йигирма нафар каллакесар туркман йўлда пистирма қуриб ўтиришган экан. Йўл асносида олдимиздан чиқиб, бизни ўраб олишди ва ёнимдаги шиалар ширин жонларидан умидини узиб, тақдирга тан беришдан бўлак чора топишмади. Фақир қарасам кутулишнинг ҳеч имкони йўқ. Шунда баланд овоз билан «эй мусулмонлар, келинг, манави шиаларни ушланг» деб қичқира бошладим. Фақирнинг бу ишидан шиалар ҳанг-манг бўлиб «жинни бўлдингизми, нима қилаяпсиз ахир» дейишарди. Туркманлар бир ҳамладаёқ ҳаммани қўлга олдилар ва қўлларини боғладилар. Фақир ҳам ёнимдагилар касофатига қолиб, мени ҳам боғлашмоқчи бўлишди. Фақир ўтиниб ёлворганча қасамлар ичиб «мен бир хожи одамман, шиалардан кўрққанимдан кийимимни уларникига ўхшатиб ўзгартириб, булар орасида келяпман» дея, ўзимнинг туркманларга ўхшаб сунний эканимни исбот қилишга қанчалик уринмайин, фойдаси бўлмади. Отларни бор-будимиз билан бирга тортиб олишди ва барчамизни қип-яланғоч қилишди. Фақир, қарасам, ишнинг буёғи энди олдингисидан ҳам чатокроқ. Ўт билан ўйнашиб бўлмайди. Ниҳоят, Хоразмда танийдиган бир нечта улуғ зот ва амирларнинг номини айтдим. Улардан биттаси «мен кўп мартаба Урганжда бўлганман ва ул вилоят амирларини яхши биламан, бу одам тўғри айтаяпти, у сунний, қўйворинглар» деди. Ул худони танувчи гапи билан фақирни хизматкорим билан бирга қўйиб юбордилар. Ул шиаларни эса яна ҳам қаттиқроқ боғлаб, шоша-пиша ўз қароргоҳига олиб кетдилар. Камина хизматкорим билан бирга неча меҳнат-машаққатда йўл юриб, Қадамжо манзилига етишдим. Ўша тун Қадамжода ухладик. Киши бошига нималар тушмас экан дейсиз. Эртаси куни йўлга тушдик ва озгина юриб, баланд бир тоққа чиқдик. Тоғ тепасига етгач, қарасак, узокдан ҳазрат Мусо Али Ризо мақбарасининг олтин гунбази кўринди. Қуёш шўъласи тилло гунбаз устига тушиб турар ва унинг ялтираб-чарақлаши туфайли яна неча бир офтобли олам пайдо бўлгандай туюлар эди. Чунончи демишлар, **байт:**

Ҳафт ҳазору ҳафтсаду ҳафтоду ҳафт хишти тилло,
Сарф шуд дар гунбази Мусо Али ибн Ризо.
[Етти минг етти юз етмиш етти тилло ғишдан
Қад кўтармиш Мусо Али ибн Ризо гунбази].

Аста-секин йўл юрганча, муқаддас Машҳад шаҳрига кириб бордик.

Фақирнинг муқаддас Машҳад вилоятига етишгани ва бир неча кун ул юртда бетоблик билан кун кечириб, сўнг Мовароуннаҳр мамлакати сари юзлангани зикри

Алқисса, карвонсаройнинг бир чеккасида ўзимга гўша тутиб ётдим. Бизни ҳеч ким танимасди. Хўқандда пайтим Муҳаммадҳасан исмли бир савдогарзода Машҳад шаҳридан келиб, мен билан ошно тутинган эди. Унинг ушбу кунларда Машҳадда эканини эшитгандим. Бир савдогардан у ҳақида сўраб-суриштирдим. У эса «мана шу сизлар ўтирган карвонсарой эгаси ўша одамнинг отасидир» деди. Фақир бу хабарни эшитиб, ўша танишимга дарҳол хат битдим ва муҳрлаб, ҳузурига жўнатдим. Бирор соатдан сўнг ул биродар елиб-югурганча олдимга келди ва мени бу вазиятда кўриб, йиғлаганча оёғимга йиқилди ва карвонсаройни дўстимнинг унли овози тутди. Одамлар бу савдогарзоданинг ҳаракатларидан ҳайратга тушдилар. Бироздан сўнг фақирни ўз ҳолу жонимга қўймай, уйига олиб кетди ва меҳмондорчилик ишига киришди. Ҳа, донишмандлар тўғри айтишган экан, **байт:**

Ту неки мекун ва дар Дажла андоз,
Ки Эзид дар биёбонат диҳад боз.
[Сен яхшилиқ қилу Дажла дарёсига ташла,
Худо уни сенга саҳрода қайтариб беради].

Бир неча вақт шу шаҳарда истиқомат қилишимга тўғри келди. Чунки, бир неча кундан сўнг яна касалим хуруж қилди. Чорасизлик тўшагига қадалиб қолдим. Уч кун тилдан ҳам қолиб, азиз жонимдан умидимни уздим. Беш-олти кундан сўнг, хайрият, ҳазрати Яратгувчи эгам ғайбдан қайта ҳаёт бағишлади ва касалим анча тузалиб, ҳар куни ҳазрат Мусо Али Ризо зиёратига ҳам чиқадиган бўлиб қолдим. Бир куни, аблаҳ бир йўлдошим бўлиб, у ҳам менга қўшилганча зиёратга борди. Зиёрат расмини бажо айлагач, одатга кўра табаррук мақбара ичида ўтирдик. Қарасак, шиа аҳлидан иборат шаҳарнинг бир гуруҳ шоирлари ўтириб олиб, шеърхонлик қилишмоқда. Уларнинг шеърларини эшитиб ўтирарканмиз, тақдирни қаранг, ҳалиги йўлдошим ҳе йўқ, бе йўқ, уларга аралашиб, ўзича шеър билган киши бўлиб, ушбу **рубойи**ни ўқиди:

Самарқанд сайқали руйи замин аст,
Бухоро қуввати исломи дин аст.
Машҳадро гунбази сабзаш набошад,

Хаворижхонаи рўйи замин аст,
[Самарқанд ер юзининг сайқалидир,
Бухоро ислом динининг қувватидир,
Машҳаднинг яшил гунбази бўлмаса,
Бу ер хаворижий¹⁷²⁶лар уйининг ўзгинаси].

Шиалар бу сўзларни эшитган заҳоти барчаси ўтга тушган исирикдек сачраб ўрнидан туришди ва устимизга ёпирилиб келиб, гаранг ва гўл йўлдошимни ушлаб олганча «ўқиган рубойингни яна бир бор қайтарчи, бўлмаса ўлимингни бўйнингга олиб қўяқол» деб қисталанг қила бошлашди. Нодон шеригимнинг кўзи шундагина очилди, аммо, нима иш қилишини билмай қолди. Мен унга қараб, **мисраъ:** Чун туро нест вукуфе чи беҳ аз хомуши (Билмасанг жим турганингдан яхшиси йўқ), дердим. Бечора ноилож яна ўша рубойини ўқиди. Шиаларнинг баттар жаҳллари чиқиб, ташқарига судраб кетишмоқчи бўлишди. Лекин бахтимизга улар орасидан бир каттароғи чиқиб, «сизлар тўхтаб турунг» деди-ю, менга қаради ва «сиз халқнинг Туркистон шоирлари бу шеърни янглиш ёдлаб олишган, аслида у манави тартибда битилган асардир ва уни бундай ўқиш лозим» дея дарҳол ушбу **рубойини** ўқиди:

Самарқанд сайқали рўйи замин аст,
Бухоро бо жаҳаннам ҳамқарин аст.
Машҳад гунбазашро гар бубини,
Ки жаннатхонаи рўйи замин аст.
[Самарқанд ер юзининг сайқали,
Бухоро дўзахга яқин бир шаҳар.
Машҳаднинг гумбазини кўрсанг,
Ер юзининг жаннат уйидир аниқ].

Бу шоирлар каттакони шундай дея, бошқалардан кўра баттар қилиб шеригимни дуппослай кетди. Фақир нима қилишимни билмай, бошим қотиб қолди. **Мисраъ:** Маргро ки хабар кард, балоро ки нишон дод (Ўлимни ким чақирди, балога ким бизни кўрсатди]. Ноилож бўлиб, мен ҳам кўрққанимдан шиаларга кўшилганча, ўз йўлдошимни ура кетдим. Менинг кўрқаётганимни сезишмасин, деб улардан кўра қаттиқроқ мушт туширардим. Йўлдошим менинг бу ҳарактимдан хайрон қолиб, менга кўрслик қилмоқчи бўлди. Мен эсам «жим бўл тентак, қилғиликни қилдинг, мен шундай йўл тутмасам сени деб ўлиб кетишим аниқ, ҳозирча шундан тузукроқ чорам йўқ» дедим. Аммо, менинг бу ҳийлам ҳам иш бермай бошлади, буни сезиб ва тайёқ ейишнинг олдини олиб, ҳамроҳимни шиалар тўдаси қўлига топширганча бир амаллаб шиаларнинг кўзини шамғалат қилиб, соғ-омон чиқиб олдим ва манзилим сари қочиб қолдим. Ётоғимга келиб, худога шукрлар қилдим, аммо, шеригимга нима бўлганидан хабарим йўқ эди. Шом намозидан сўнг шиалар уни ўлакка қилганча келтириб, бозор растасига ирғитиб кетишибди. Бизнинг туркистонлик савдогарлардан бир гуруҳи карвонсаройдан чиқиб, олиб келишди. Қарасак, бечора қон ва тупроққа беланган. Ўзини билмайди, соғ жойи ҳам қолмабди. Бир неча соатдан сўнг ўзига келди ва мендан ўпкалай бошлади. Мен эса, **мисраъ:** Жойи гила нест, шукр бояд гуфтан (Гина қилишга ўрин йўқ, шукр этмоқ керак), дедим.

Бу кезларда ҳаво жуда қаттиқ совуқ бўлиб, Туркистон томон карвон юриш-юрмаслиги номаълум эди. Чорамиз бўлмагач, ноиложликдан бир неча кун савдогарлар билан маслаҳатлашиб, бир нечта туркманларга йўлдош бўлганча йўлга чиқишга қарор қилдик ва кўч-кўлонни йиғиштириб, Машҳадни тарк этганча мақсад сари юзландик. Бир қанча йўлларни босиб ўтиб, Сарахс¹⁷²⁷ вилоятига кириб келдик. Қадимда обод Сарахс шаҳри эндиликда жуда бир хароб аҳволдаги шаҳар эди. Йўлдошларимиз бу ерда уч кун қолишимизни айтишди. Шу орада фақир ҳазрат Лукмон Сарахсий кабрига бориб, эътикоф ўтирдим ва зуҳду таоат-ибодат билан машғул бўлиб, мадад ва кўмак тиладим. **Қитъа:**

Гуфт Лукмони Сарахси: к-эй Илоҳ,
Пирам ва саргаштаву гум карда роҳ.
Бандае к-ў пир шуд шодаш кунанд,
Пас хатташ бидиҳанду озодаш кунанд.
[Деди Лукмони Сарахсий: эй бизни яратган,
Қариман ва саргашта ҳам йўлин йўқотган.

¹⁷²⁶ Ислом динини тан олмай, унга қарши пинҳоний курашган кишилар. Улар томонидан кўплаб ислом улуғлари террор қилинган.

¹⁷²⁷ Сарахс/ Серахс – Туркменистондаги Тажан дарёси водийсида жойлашган шаҳарча.

Кексайган кишини айлагайлар ахир шод,
Қўлига эрк хатин тутқазиб, қилгайлар озод].

У ердан ҳам кўчиб, йўл сари отландик. Қўрқинчли саҳрода неча бир азоб-уқубатлар билан йўл юрганча, нечамиз ўлиб, қанчамиз чалажон бўлиб, уч кеча-кундуз деганда Тажан дарёси бўйига етишдик. У ердан эса ҳавонинг шунча совуқлигига қарамай, неча бир қийинчилик билан йўл юриб, Маймана ва Андхўй¹⁷²⁸ йўлига чиқиб олдик. Уч кундан сўнг Жайхун дарёси қирғоғига етдик. Шаҳарлар онаси Балх карвони аҳли ҳам шу ерда қўш ташлашган экан. Уларга қўшилиб Амуя дарёсидан кечиб ўтиб, уч кун ўша соҳилда йўл ҳордиғини чиқардик.

Алқисса, мазкур манзилда йўлдошларимиздан биттаси бизга билдирмай карвондан ажралиб, Бухоро сари йўл солибди. Шаҳарга кириб боргач, вазирлик паноҳи Ҳаким *қўшбеги* уни ҳузурига чақиртириб, Эрон вилоятидаги вазиятни сўраб билмоқчи бўлибди. Сухбат орасида ул киши менинг келаётганимни ҳам тилга олибди. Вазирлик паноҳи амир Насруллоҳ ҳузурига кириб, бу ҳақда амирга гапириб берибди ва амир ул кишини жаноб саййидлик паноҳи эшон Султонхон ҳузурига жўнатибди. Эшон жаноблари бу хабарни эшитган заҳоти ниҳоятда севиниб, барча қариндош ва хизматкорларга мени кутиб олишни буюрибдилар. **Байт:**

Мархабо қосиди фаррухпай, покиза хисол,
Хайра мақдам ту бигў ёр кужо, роҳ кадом.
[Хуш келдинг қутлуғ қадам, пок тийнат чопар,
Қадамингга ҳасанот, айт, ёр қайда, йўли қайси?)

Ўша вақтда фақир карвон аҳли билан мақсад сари юзланган эканмиз. Карвоннинг секин юриши жонимга тегиб, икки савдогар билан бирга карвондан ажралганча шаҳар сари юзландик. Бир неча масофани босиб ўтгач, бир қудуққа етдик. Бу чексиз даштда биз тўрт нафар кишидан бошқа биронта жонли зот кўринмасди. Очиги, жуда кўрқдик ва юрагимиз ваҳимадан сиқила бошлади. Ўзимизни бу каби туйғудан алаҳситиш учун овқат пишириб емоққа тутиниб, шундан сўнг йўлга отланмоқчи бўлдик. Шунга кўра йўлдошларим таом тайёрлашга тушишди. Фақирнинг фикрига эса «умримда Бухоро шахрини кўрмаган бўлсам, биронта танишим ҳам йўқ бўлса, қаерга борарканман ёки тўппа-тўғри карвонсаройга туша қолсаммикин» каби ўйлар келиб турган маҳал бирдан узоқдан иккита отлиқ кўриниб қолди. Уларга кўзимиз тушгач, мана энди тамом, қароқчилар келишяпти деган гумонда жонимиздан умидимизни узиб, келиб-келиб шу ерга етганда ўларканмиз, деганча шунга рози бўлиб ўтирдик. Чунки, биз келишимиздан бурунроқ айни мана шу ерда қароқчилар бир нечта мусофирнинг мол-мулкани талаб, ўзларини ўлдиришган ва шу сабабли бу биз келган йўл бекилиб, бу ҳақда карвондагилардан сўрамай, карвондан ажралиб келаётган ва бу сўзларни сўнг билган эдик. Алқисса, отлиқлар яқин келишди, бизнинг эса қочадиган еримиз ҳам йўқ эди. Ноилож, тақдирга тан бериб, қароқчилар талашини кутиб ўтирган эдик, шунда улардан биттаси олдинроқ етиб келди ва ёнидаги тилло жабдуқли отни етаклаганча ўта савлат билан қудуқдан сув тортиб турган хизматкорим олдида тўхтаб, ниманидир сўради ва отдан тушди. Сўнг мен томонга юзланиб, шиддат билан югуриб келганча қўлимдан тутди ва йиғлаган кўйи қўлларимни ўпа кетди. Бироздан сўнг ҳовридан тушиб «Эшон *шайхулислом* жаноблари дуо демоқдалар ва қадамларингизни интизорлик билан кутиб ўтирибдилар, олдингизга эса қариндош ва хизматкорлар чиқишган» деди. Фақир бу сўзларни ул кишидан эшитгач, ҳайратга тушдим ва «эшонингиз ким» деб сўрадим. У эса «Хўқанддан кўчиб, Бухорога келган саййидлик паноҳи Султонхон бўлади. Амир Насруллоҳ Бухоро *шайхулислом*лиги амалини у кишига берганлар Ҳозир у кишидан обрўлироқ киши йўқ бу ерларда» деди. Бу гапларни эшитгач, йўқлик оламидан вужуд оламига яна қайта келгандек бўлдим. Шу гаплар устида турарканмиз, илгаридан менга таниш ва қадрдон бўлган хизматкорлар ҳам бирин-кетин кела бошлашди. Бироздан сўнг эшоннинг ўғли биродарим Саъдуллахон ҳам етиб келди. Бир-биримизни бағримизга босиб, тўйиб-тўйиб йиғлаганча кучоқлашиб кўришдик. Менга атаб тилло жабдуқли от ва олий сарупо олиб келишган экан. Аммо, фақирингиз кийимларга қўл ҳам текизмай, ўзимнинг қаландарлик либосимда келганлар билан кун ботган маҳал ул манзилдан отланиб, шаҳар сари юзландим. Алқисса, ўша оқшомиси жуда тез юрган кўйи тонг отмасдан бурун шаҳар яқинига келиб тушдик. Тонг оқаргач, у ердан отланиб, чоштгоҳда Бухорога кириб келдик ва жаноб эшоннинг ҳовлисага тушдик.

Фақирнинг Бухоро шахрига келгани ва амир Насруллоҳни кўргани зикри

¹⁷²⁸ Маймана ва Андхўй – Шимолий Афғонистондаги шаҳарлар.

Эшон жаноблари амир Насруллоҳ олдиға кетган эканлар. Уйда биродарим мавлоно Ҳозик бор экан. Бир-биримизни кучоқлаб, анча йиғлашдик ва ул биродар бу икки мисра **байт**ни такрор ўқирди:

Хуш омади ки хуш омадам аз омаданат,
Ҳазор жони кироми фидойи қадамат.
[Хуш келибсан олқишим келганингдандир,
Минг азиз жон қадамингга фидо бўлсин].

Ўша аснода жаноб саййидлик паноҳи ҳам ташриф буюрдилар. Аларнинг кўзи менга тушгач, йиғлаб келиб, мени меҳр тўла бағрига босдилар. Эшоннинг уй ичини йиғи ва ҳис-ҳаяжон товушлари тўлдириб юборди ва эшон бундай туйғудан ўзини ҳеч тия олмас эди. Ниҳоят, ўзини зўрға босиб, фақирга тикилиб: – Ҳозир Сиз билан гаплашишга мажолим йўқ. Аслида эса бу янглиғ захматлар чекиб, дунёни кезган Сиз чарчагансиз. Мен бугун чексиз хурсандман ва хушимдан кетишимга бир баҳя қолиб турибди, – деди эшон. Фақир рухсат тилаб, ўрнимдан турдим ва мен учун тайёрлаб кўйишган хонага кириб дам олдик. Хуфтон намозидан кейин жаноб эшон мавлоно Ҳозик билан бирга хонамга кириб келиб, гаплашиб ўтиришди. Сўнг эшон: – Амир Насруллоҳ биздан икки марта «Ҳакимхон келдими» дея сўради. Биз эса «ҳали йўқ» дедик. Энди уни эртага бориб кўришингиз лозим, – дедилар. Фақир: – Эй олий мартабали зот, худо ҳаққи, мени ўз ҳолимга кўйсангиз. Султонларни кўравериб, дилим кўп озор чеккан, шу сабабли бу каби ишлар сира кўнглимга сиғмайди, – дедим. Жаноб эшон бу янглиғ жавобимни эшитиб, жим бўлиб қолдилар. Ўша оқшомиси дам олдик. Эшон жаноблари эса амир Насруллоҳ ҳузурига бориб, қайтиб келдилар ва менга меҳрибонлик оҳангида: – Амирни кўрмасангиз бўлмайди, ҳозир яна бир бор «Ҳакимхон нега келиб, бизни кўрмайди» дея сўради. Биз ҳам Сизнинг кўнглингиздаги фикрга амал қилиб шундай дедик: «Ҳакимхон фалакнинг човгон таёғи зарбини кўп еган, шу сабабли ҳозир феъл-атвори жуда ўзгариб, бошқача одам бўлиб қолган. Султонлар билан суҳбатлашиш қобилятига эга эмас. Сиздан шод бўлсин десангиз, яхшиси уни ўз ҳолига қўяйлик, чунончи демишлар, **байт**:

Подшоҳон ва гадоён ду гурўҳи ажабе,
Ки набуданд ва набошанд ба фармони касе». [Подшоҳлар ва гадолар ажаб бир тоифа эрур,
Бировнинг буйруғига бўйин эгишмаган, эгишмайди ҳам].

Амир Насруллоҳ эса «биз аларни бир бор кўрмасдан ўз ҳолига қўйишимизнинг ҳеч имкони йўқ» демоқда. Ҳар ҳолда бир боринг, – дедилар жаноб эшон. Шундан сўнг фақир чор-ночор анчагина антиқа нарсалардан армуғон сифатида олиб, Арк сари йўналдим. Амир Насруллоҳ ҳузурига киргач, у билан қўл олишиб¹⁷²⁹ кўришдим. Кўп шафқат ва марҳаматлар қилди. Анча вақт суҳбатлашгач, ҳузуридан рухсат олиб, уйга келдим.

Ўша кезларда жаноб қиблагоҳим Шаҳрисабздан Ўратепага кетганлар, Муҳаммадраҳим *девонбеги* эса ул зотни фарзанди Бобобек *додхоҳ* олдиға кўйиб, мазкур ўғлига Ўратепани топширганча мен келишимдан беш кун олдин ўзи Бухорога келган, деб эшитгандим. Келганимдан хабар топиб, кетма-кет фақирга одам юбориб, олдиға чақиртирди. Фақир таклифга биноан уйига яқинлашгач, кутиб олиб, анча иззат-икромлар билан ўз ўрнига ўтқазди. Ҳар тўғрида суҳбатлашиб ўтирдик. Кейин хонадагиларни чиқариб юбориб, иккаламиз қолдик. Сўнг менга қараб: – Бир йўлини қилиб «отамни олиб келаман» деб амирдан жавоб олинг. Бўлмаса Сизга жавоб бермайди, – деди. Муҳаммадраҳим *девонбеги* ҳузуридан чиққач, уйимга кетдим. Яна бир неча кун йўл азобларидан кутулиш учун мириқиб дам олдим. Ўша пайтларда Муҳаммадраҳим *девонбеги* амир Насруллоҳдан кетишга рухсат олди ва мен ҳам рухсат олиб, Муҳаммадраҳим *девонбеги* билан бирга Ўратепа сари юзландим. Бу қиссанинг давоми китобимизнинг Муҳаммадраҳим *девонбеги* қиссаси ва амир Насруллоҳ қисмида юқорида зикр қилинган эди ва бу воқеа 1243 йили шаъбон ойининг ўнинчисида/1828 йили 27 феврал рўй берган.

Сўз мағзини чақувчи билимдонлар кўнглидан бекитикча қолмасинким, Муҳаммадалихон мода ҳукумати воқеаларини тугатмай туриб, ўз саргузаштимни бошлаб юборгандим. Энди икки тилли қалам Муҳаммадалихон моданинг беъмани ҳаёти ва тубан ишларига доир ўша қолиб кетган воқеалар тафсилотини тўла баён этиш ниятидандир, иншоаллоҳи таоло ва биллоҳит тавфиқ. **Байт**:

Саъдиё, марди накўном намирад ҳаргиз,
Мурда он аст ки номаш ба накўи набаранд.
[Эй Саъдий, яхши ном қолдирган ўлмас сира,
Номи яхшилик билан эсланмаган киши ўликдир].

¹⁷²⁹ Масофаҳа расмида.

Муҳаммадалихон моданинг ноиложликдан Ўратепа томон қўшин тортгани ва ул вилоятни тухмат ва шилтоқ билан эгаллагани зикри

Муҳаммадалихон нафси амморага гирифтор бўлган маҳал мамлакат ишларини Ҳаққулининг қўлига топширди. Ўзи эса бутун қимматли умрини бўза ичмоқ ва дойра чалмоқ билан ўтказа бошлади. Чунончи, қайси вилоятда – Кошғар, Бухоро, Шаҳрисабз каби ўлкаларда яхши каптар бўлса, йиғдириб келди ва унинг каптарни яхши кўриши шу даража эдики, каптарларнинг уясини чиний товоқдан ясаиб, михини кумушдан, ҳар бир хонасини кошндан қилдирган эди. Каптарларнинг оёғига тилло ва кумуш халқалар остириб қўйганди. Бир нечта жойда каптархонаси бор эди. Айтишларича, ҳар кун каптарларига қирқ манн вазндаги дон беришаркан. Шунингдек, чаладиган бир нечта дойраси бўлиб, шулардан тўққизтасини фақат ўзи чалиши учун махсус ясаттирган экан. Бу тўққизтасининг занжирлари олтидан ва гавҳар тошлар билан безатилган, битта-иккитасининг занжири кумушдан экан. Ўша кезларда амирлар Муҳаммадраҳим *девонбегининг* Ўратепани ўғли Бобо *додхоҳга* топшириб, ўзи Бухорога кетганини эшитишади. Биргаликда маслаҳат қилиб «шоҳимизнинг ёмон одатлари бутун оламга ёйилди, агар бу ишда ғафлат қилиб ўтираверсак, юртимизга яна кўп фитналар йўл топиши турган гап» дея, ноилож, Ҳаққулига мурожаат қилишибди ва унга «бир иш қилиб ҳийла билан миримизни ҳарб юришига олиб чиқинг, бўлмаса сал ўтмай вилоятларда фитна ва исёнлар қўзғалиши аниқ, унда эса жуда кеч бўлиб, ҳеч йўл билан уларни бостириш имкони бўлмай қолади» дейишибди. Ҳаққули амирларнинг сўзини маъқуллаб, Муҳаммадалихонга воқеани батафсил гапириб берибди. Ул саҳройи дев эса жавобида «мени бундай ишларга аралаштирма, давлат ишларини сенга топширганман, ўзинг биласан, нима қилсанг қилавер» дебди. Ҳаққули қараса иш битмайди. Аста-секин чиқиб, амирнинг кабуларлар ишига мутасадди бўлган Ҳожи Қаландар исмли надимига «бир бало қилиб мирни йўлга сол, Ўратепа томонга қўшин тортсин, бўлмаса, кўп ўтмай давлат ишига путур етади. Айниқса, қанчалар заҳмат билан вилоятлардан йиғиб келинган ўйинчи каптарлар бургут чангалига тушади» дебди. Ул каптарвоз қабул бармоғини кўзига қўйиб, Муҳаммадалихон мода олдига кириб «эшитишимча Ўратепадаги каптарларга ўхшаши бутун оламда йўқ эмиш. Улар учишга киришган маҳал боши осмонга тегар экан. Ўйин учун қанотини ёйган чоғи ҳеч бир раққоснинг сарвдек қадди уларга тенг кела олмас экан. Шундай ўйинчи каптарлар бўлса-ю, биз пинагимизни бузмай, тинчгина ётаверсак. Бу ахир каптарвознинг ор-номус ва ориятига қаттиқ тегмайдими?» **Мисраъ:** Имтиҳон кардем ҳоли ҳар касе маълум шуд (Текширдик ва ҳар кимнинг ҳоли маълум бўлди); Бу сўзларни эшитган Муҳаммадалихон мода ўрнидан туриб кетибди ва «ҳақ гапни айтаяпсан» дебди. Дарҳол Ҳаққулини чақириб «лашкарни тўпла, Биз Ўратепа томонга отланмоқчимиз» дебди. Ҳаққули шодликдан рақс тушганча Муҳаммадалихон ҳузуридан чиқиб, амирларга «сизларга хушхабарлар бўлсинким, миримиз Ўратепа сари юриш қилмоқчилар» дебди. Бу гапдан барчалари хурсанд бўлиб, тайёргарлик ишига киришибдилар. Икки кундан сўнг Муҳаммадалихон мода Фарғона лашкари билан Ўратепа сари юзланибди. Уч манзилдан кейин Хўжанд шаҳрига кириб борибди. У ердан кўчиб, Қизили манзилига бориб тушибди. Амирлар билан маслаҳат қурибди. Улар «ота-боболарингиз қандай боришган бўлса, Сиз ҳам шулар тартиби бўйича бораверинг» дейишибди. Амир эса «эшакнинг тепмаслиги ҳақиқатдан йироқ ва туянинг ҳаммомга бормоғи ақлдан узоқ. Мен билдирмасдан бораман, очикдан-очик эмас». Амирлар қарашса бу иши маъқул гап эмас, аммо, маъқуллашдан ўзга чоралари қолмабди. Амирнинг нияти мамлакатни босиб олмоқ эмас, балки, каптарларни қўлга киритмоқ бўлгани учун билдирмай боришни лозим топганди. Аср намозидан сўнг катта қўшин билан мақсад сари юзланди ва ўша оқшомиси чунонам қоронғу ва зулмат макон бўлиб, Муҳаммадалихоннинг қаро бахтидан ҳам қорароқ ва қоронғуроқ эди. Анча йўл босиб ўтгач, тонг отмасдан бурун шаҳар яқинига етиб олишибди. Ҳар бир дарвозани олиш учун тайинланган *сардорлар* дарҳол билдирмасдан шаҳар ичига кириб, аҳолини ўлдириш ва талашга тушиб кетишибди. Бу иш тушларига ҳам кирмаган халқ ноз уйқусида дам олиб ётишган эмасми, бирдан сакраб туриб, бош очик, оёқ яланг алпозда яланғоч кўчаларга отилиб чиқишибди ва ғаддор фалакнинг яна бир ўйин бошлагинини англашибди. Ҳар ким ўзини бир тарафга урибди. Ўша маҳал тонг ҳам ота бошлабди, Муғ аркидаги Бобоек эса бу даҳшатли воқеадан хабар топиб, ўтга тушган илондек тўлғанибди ва ўку милтиқ отишга тушибди. Ўша маҳал жаноб қиблагоҳим ўша ерда эканлар, Фарғона лашкари эшон турган мавзени ўраб олибди ва бу хабар Муҳаммадалихон мода қулоғига етишгач роса хурсанд бўлибди. Чунки, доимо қайси йўл билан ҳазрат субҳона ва таолонинг ғазабини чиқарсам экан ва қай тариқа пайғамбар *саллалллоҳи алайҳиссалом* айтганларига хилоф иш тутсам экан деб юрарди. Бу муддао айна ул малъуннинг

табъига мос тушиб, бу ҳадиси шарифда, расул алайҳиссалом авлодини дўст тутмоқ, наби алайҳиссаломни дўст тутмоқдир, расул алайҳиссалом авлодини душман билмоқ, наби алайҳиссаломни душман билмоқдир, дейилгани мазмунига кўра, дарҳол эшон жанобларини тағин юртдан чиқариб юбормоққа буйруқ берибди. Ул ҳайвон тийнат фармониға биноан бир нечта кишиси жаноб қиблагоҳимни ушлаб, Ўрус вилояти томон юзланишибди. Бу воқеанинг давоми юқорида ҳикоя қилинган эди.

Алқисса, Муҳаммадалихон мода Ўратепа вилоятини неча бир тухмат ва шилтоқ билан ўз тасарруфига киритди. Бобобек ва Исҳоқ *девонбеги* уч кун Муғ аркида урушга машғул бўлдилар. Кейин Ҳаққули билан аҳду паймон қилиб, Муғ аркини бўшатиб чиқишди ва кўчи билан Жиззах сари юзланишди. Муҳаммадалихон мода ул вилоят ҳукуматини Шоҳи *парвоначи*ға берди ва ўзи Ўратепа вилоятининг барча каптарларини йиғиштириб, ўз каптархонаси сари равона бўлди. Бир неча масофа йўл босиб, Хўқандга кириб борди ва бундан сўнг ҳеч бир ерга от сурмайман, дея онт ичди. Ҳали-ку, вилоят фатҳ бўлди, агар енгилса нима қиларди, билмадим. Бир неча вақт ҳеч тўхтовсиз равишда ўйин-кулги ва созу суҳбат билан машғул бўлди. Шундан анча вақт ўтгач, Шаҳрисабздан саййидлик паноҳи Жаҳонгирхожанинг катта акаси Юсуфхожа Хўқандга ташриф буюрди. Муҳаммадалихон мода эшонга мол-дунёси юзасидан қадрдонлик кўрсатиб, муносиб уйга туширди. Бир неча кундан сўнг жаноб саййидлик паноҳи ғазовот сўзини ўртага ташлади. Хўқанд амирлари ҳам эшон билан ҳамфикр бўлиб, буни Муҳаммадалихон модага билдирдилар. Ғазовот сўзини эшитган ҳамоно дарғазаб бўлди ва «биринчи гал ғазовот-ғазовот дея нима иш қилдингизки, энди яна шуни такрорламоқдасиз» деб ўшқирди. Амирлар унинг ғазовот урушига розилик бермаслигини англашди. Ноилож тилини тайишиб, жим бўлиб қолишди. Шу орада ўртадан Ҳаққули кўпиб туриб «жаноб саййидлик паноҳи Муҳаммад Юсуфхожа, иншоаллоҳ, агар бу сафар Кошғар вилояти эгалланса, укамдан ва кофирлардан қолган хазиналарнинг барчасини Муҳаммадалихонга бағишлайман, дея ваъда бердилар» деди.

Рубоий:

Чун гул ба чаман доман пури зар бинамуд,
Булбул ба ҳазор савту достонаш биситуд.
Ва онгаҳ ки ба бод рафт баргияш ки буд,
Кас номи гул аз забони булбул нашунуд.
[Чаманда гул этагин тиллога тўлдириб кўрсатгач,
Булбул минг бир товуш ва достон ила мақтади уни.
Шамол гулнинг бор барглари тўкиб-совургач,
Ҳеч ким булбул оғзидан гул деган сўзни эшитмади].

Ул нопок бу сўзларни Ҳаққули тилидан эшитгач, шодликка тўлиб, хохолаб кулганча дарҳол Ҳаққулини амир лашкар қилиб, Фарғонанинг барча лашкарини Кошғар тарафга юборди.

Хўқанд амирларининг Кошғар сари қўшин тортгани зикри

Уч кундан сўнг Муҳаммадшариф *қўшбеги*, Лашкар *қўшбеги*, Ҳаққули *девонбеги* каби саркардалар ва Хўқанднинг бошқа амирлари Муҳаммад Юсуфхожа билан бирга сон-саноксиз қўшинни ёнига солиб, мақсад сари юзландилар. Фалакнинг Катта айиқ юлдузигача бошини етказиб турган баланд тоғлардан ошиб, неча бир азобу укубатда йўл босганча, анча масофаларни ортда қолдиришди ва ниҳоят Кошғар вилоятига етиб боришди. Дарҳол Кошғар вилоятини назорат остига олиб, эртасига Гулбоғ қалъасини узук қоши каби ўраб, қамал ва уруш ишларини бошлаб юборишди. Шу зайл кунлар ўтиб, қамал муддати уч ойга чўзилди. Ҳеч бир тадбир билан Гулбоғ қалъасини эгаллаш муяссар бўлавермади. Ноилож бир неча минг халқни кўчириб, эгик бош билан Хўқандга қайтиб кетишди. Ўша вақтда Муҳаммадалихон мода қулоғига, амирлик паноҳи Муҳаммадраҳимхон *девонбеги* ва Исҳоқ *девонбеги* Шаҳрисабздан ўн саккиз минг киши билан келиб, Ўратепага киришган экан, орада жанг бўлиб, ҳоким Шоҳи *парвоначи* Исҳоқ *девонбегидан* бошқа ҳаммасини ўлдирибди, Муҳаммадраҳим *девонбегининг* калласини кесиб, Исҳоқ *девонбеги* билан бирга юбортирган экан, мана етиб келди, деган хабар эшитилди. **Байт:**

Агар сад сол мони, дар яке рўз,
Бибояд рафт аз ин кохи дилафрўз.
[Юз йил яшасанг ҳам бир куни,
Кетгуси сен бу ажойиб саройдан].

Бу хабарни эшитган Муҳаммадалихон мода юраги қинидан чиққудек севинибди ва шодликлар қилиб, Муҳаммадраҳим *девонбегининг* бошини дорга осишга, Исҳоқ *девонбегини* эса қамоққа ташлашга буйруқ берибди. Ўша маҳалда Фарғона қўшинидагилар неча бир кулфат чеккан ва аянчли

бир алпозда Хўқанд вилоятига кириб келиб, ҳар ким йўл азобларидан қутулиб, дам олишга шошилибди.

Муҳаммадалихон моданинг биродари Султон Маҳмудхонни ватандан қувиб, Шаҳрисабз томонга сургун қилгани зикри

Бир неча вақт шу зайл ўтгач, ўшанда 1245/1829-30 йил бўлиб, Муҳаммадалихон мода қараса, биродарим кўзлар нури Султон Маҳмудхоннинг пешонасида салтанат юргизиш аломати порлаб турибди. Ул нопок шу сабабли иймон вожибларидан бири бўлмиш қариндошлик риштасини узганча ул олий мартабали зотнинг туғилган ватанида ўсишини истамай, бир неча бузуқилар билан тил бириктириб, ул нури чашмийни неча бир хорлик билан онаси ёнидан чиқариб олди ва Шаҳрисабз томонга сургун қилди. Ул азиз бу каби ҳалокат жаридан неча бир кўрқув ва ҳадик билан қутулиб чиқиб, Бухоро йўли орқали Шаҳрисабзга келиб, турғун яшаб қолди.

Азиз ўқувчига маълум бўлсинким, ўша айёмда саййидлик паноҳи Маҳмудхоннинг жуда бир чиройли хотини бор эди. Саййидлик паноҳининг вафотидан сўнг амир Умархон унга ошиқ бўлиб, ўз никоҳига киритган эди ва амир Умархоннинг тўртта хос хотинидан бири ўша аёл эди. Амир Умархон вафотидан сўнг Муҳаммадалихон мода ўғай онаси Хонпошшо билан яширинча ўйнашлик қилишдан ташқари гўзалликда тенгсиз ўша аёлга ҳам тегажожлик қилиб, илашгани-илашган ва Умархон ўлгач ўйнаш хотин ўрнида ҳарамда олиб қолган эди. Бир куни ўша ҳар икки она-хотин лаънати эр-фарзанд билан бирга бўза ичиб ўтиришади. Бу аёллар бир-бирига иккинчи марта кундош бўлиб қолганлари учун озгина гап устида ёқалашиб, ораларида кўйлак йиртиш уруши рўй беради. Муҳаммадалихон мода Хонпошонинг ёнини олиб, ул зоҳирий мазлумани неча бир хорликка дучор этиб, шафқатсиз қилич билан бошини танасидан жудо қилади. Буларгина эмас, Муҳаммадалихон мода яратгувчи Холиқ ва халқ наздида таъқиқ ва ҳаром қилинган ҳар бир ишни ўзича ҳалол билиб, ярамас қилиқларни кундалик одати қилиб олди. Унинг замонасида маълум ва машҳур бўлган ана шу каби тубан ишлардан бири қуйидаги манфур воқеа ҳисобланади: амир биттаси Хушҳол *dodxo* ва яна бири Ошула лақабли Бибинор номли кўйган иккита фоҳиша қўлига Фарғона мамлакати устидан тўла инон-ихтиёрни шу даража топшириб кўйган эдики, ул малъунлардан ҳар бири неча бир дабдаба билан мусулмонлар уйига боришар ва ҳаё пардаси ортида ўтирган хоҳ аёл, хоҳ бокира қиз бўлсин, агар ул икки уятсиз сатангнинг кўзига яхши кўринса, сочларидан судраб саройга олиб кетишарди, мабодо, ул икки динсиз кофирнинг номуборак таъбига мос тушмаса, саройга олиб кетмаслиги эвазига пул олар, яъни пора ундирар эдилар. Мусулмонлар эса ўз номуслари учун улар нима дейишса, ўзида йўқ хурсанд бўлганча, тилло пуллар беришарди. Сал вақт ичида ул икки нопок номуслмон шу миқдор бойиб кетишдики, ул икки лаънатининг бойлиги ва кирим-тутум, хашамат-дастгоҳи каби чексиз обрў-эътибор Фарғонанинг ҳеч бир амирида йўқ эди. Ул халқнинг туз-намаки кўр қилгур икки нобакор мусулмонларнинг хотинлари ва қизларини ўз уйларига йиғиб келтирар, сўнг ҳаммасини Муҳаммадалихон мода хузурига кўриқдан ўтказиш учун олиб боришарди. Ул малъун эса ўзи ёқтирган бир нечтасини хузурида сақлар ва бир нечтасини эса ўша икки фоҳишанинг уйига жўнатарди. Улар эса амир топшириғи билан танланган мазкур хотин-қизларни элтиб, ҳар бирига ўйин ва ашулачиликдан таълим беришарди. Чунки бу раққоса ва ашулачи-ҳофизалар амирнинг саройдаги кўнгил хушлиги ва ўйин-кулги, созу суҳбат ўтиришлари учун лозим эди. Шунингдек, ул икки баттол мусулмонларнинг ор-номусли ҳисобланган хотин-қизларини уйларига олиб бориб, бир нечтасини фоҳишалар қаторига тиқишар, қолганларидан пул олиб, уйларига жўнатишарди. Ҳар ой ва йил бўйи бу икки лаънатининг иши фақат шу эди. **Байт:**

Сабр кун эй шиша бар санги жафойи муҳтасиб,
Гардани ин душмани ишрат Худо хоҳад шикаст.
[Муҳтасиб тошининг жафосига чида, эй шиша,
Худо хоҳласа бу ишрат душманин бўйни сингуси].

Ўша кезларда шунча кўнгил хушликлар етмаганидек, Муҳаммадалихон моданинг ишқи қимор ўйинига ҳам тушиб қолди. Қайси вилоятда донг таратган қиморвоз бўлса топтириб келиб, ҳар кечаси қимор ўйнаш билан машғул бўлди. Эл орасида отнинг қашқаси каби маълум бўлган бир нечта ҳароми ўғрилари билан ҳам тил бириктирди. Инсон учун энг ёмон хислатлардан саналган бу сингари ярамас қилиқларни ўзи учун энг фаҳру-эътиборли ишлардан деб билди ва кеча-ю, кундуз бу қилиқларини қанда қилмади. Ул нопок уятсизларнинг эса мусоҳибат-улфатчилик бодаси алдов-ҳийланинг шаҳватзори билан қоришган, ул идроксиз айёр пешаларнинг ўтириб-туриш ва ўйин-кулгуси ранги таъмагирлик ва зараркунандалик оташи билан қайнаб-пишган эди. Ул нопоклар билан ошнолик

хидидан вафодорлик билан ҳеч бир дастурхонга фойда таровоти етмаган ва бу мухолифат суҳбати тилидан на катта ва на кичикка яхши бир сўз етган. Хулласи калом, ҳаммаси бир бўлганча кечакундуз тешадек ифлос нафс қўлида иш кўрсатиб, минглаб аҳоли тинчлик ва роҳати бузилишига томошабин бўлишган. Талофот кўрсатишда жаҳду жадал билан уриниш чилчироқини ёқишган ва била-туриб, хирман донларини завол оташи билан ёндиришган. Алҳақ, сал вақт ичида эса буларнинг экин майдонлари гуркираб-яшнаган. Демак, шундай экан, билмоқ лозимки, ҳеч бир подшоҳ ва ҳоким ҳеч қачон бу номувофиқ шайтон хислати лаънатилар қайиғига минмаслиги керак. Тоқим, ўзининг орномус ва эътибор-эҳтироми асбобини Муҳаммадалихон модага ўхшаб дунё ва охират зарарига айлантормасин, фано ва завол Қулзуми гирдоби тўфонини кўрмасин. Оқибат-охир ишим чаппасига кетмасин, деса, ҳеч бир ҳоким ўз атрофига хушомадгўй ва асли носоз, пасткаш кишиларни тўпламасин. Акс ҳолда Муҳаммадалихонга ўхшаб, ўз қилмишига яраша жазосини тортиши турган гап.

Хулласи калом, Фарғонадаги барча амирлар ва фуқаро хоннинг бу ярамас ишларидан ўтманқалидан куйган исириқдек куйиб юрсалар ҳам ҳеч бир тадбир билан бунга чек қўя олмадилар. Иш ўз меъеридан ошди. Ниҳоят, ҳаммаси Ҳаққулига мурожаат қилиб «бу ишнинг бир чорасини қилишинг керак, бўлмаса мамлакат ишлари издан чиқиб, давлатга путур етади» дейишди. Ҳаққули уларнинг гапини қабул қулоғи билан эшитди ва давлатхоҳлик ва мусулмонлик юзасидан Муҳаммадалихон ҳузурига кириб, воқеа суратини баён қилди. Ул нобакорнинг дилини бузукчиликнинг жуда кучли занги босганидан ҳеч бир сайқал билан жилолантириб бўлмас ва бу занглаган дилда ҳеч бир нарса акс этмасди. Шу сабабли ул яхши хислатли амирнинг сўзига қулоқ осмади ва ғафлат уйқусидан уйғонмади. Бир неча кундан сўнг давлатнинг ул самимий тарафдори яна ўша сўзни қайтарди. Муҳаммадалихон мода қараса, ул амирлик паноҳи насихат қилишни қўймапти. Бунга чидай олмай, бир умр жонини Муҳаммадалихон мода учун фидо қилиб келган ва қанча-қанча шаҳарларни шамшири зарби билан фатҳ этган жангчилар паноҳини неча бир хорлик ва зорлик билан зулм ханжари воситасида бошини танасидан жудо қилиб, ул жангчилар *сардор*ини шахидлик даражасига етказди. Бу даҳшатли хабар бутун шаҳар бўйлаб тарқалгач, хосу авом ул бечора мазлум ҳасратида оловга тушган қилдек жижғанак бўлиб тобландилар. Ишларни ўнгловчи чорасоз даргоҳидан чора изладилар. Аммо, ҳеч бир равишда дуолари ўқи ижобат нишонига тегавермади. Афтидан, ул чорасоз ҳазратнинг битта номи «ҳалим» бўлгани туфайли Аллоҳи таоло ўз хислатига хос сўзнинг луғавий ҳикмати тақозосича ўзининг қаттиқ қўллигини синов учун яна биров муддат кечиктиришини ғофил бандаларига намоён этмоқчи бўлди. Шунинг учун ул абадий лаънатини бир неча вақт ўз ҳолига қўйди. Ул золим эса буни англамасдан ярамас қилиқларини икки баробар оширди ва зулм тандирини бераҳмлик ва шафқатсизлик ҳашаги билан қиздирди, жонни куйдирувчи гармсели балоси бахтсиз зоти учқуни билан хос ва авом халқнинг ҳаёт даласидаги хўлу-куруқни баробар ёндирди. Шу жумладан биттаси: амир Умархоннинг Баҳодирхожа исмли *дастурхончиси* бўлиб, унинг хотини Муҳаммадалихон модани кўкрагидан сут бериб боққан онаси эди, яъни, Муҳаммадалихон мода *дастурхончининг* фарзандлари билан кўкалтош бўлиб, шу сабабли Баҳодирхожани ота деб чақирарди. Ана ўша заифа ҳусну жамолда тенгсиз аёл эди. Муҳаммадалихон мода инсоф-диёнат деган нарсани бутунлай йиғиштириб қўйиб, кўкрагидан сут эмган онаси томон шахват қўлини чўзди ва яширинча ниятини ҳосил қилиб юрди. Бу пайтларда мамлакатнинг барча ишлари Баҳодирхожага тааллуқ топиб, ҳатто, Муҳаммадалихон моданинг муҳри ҳам унинг қўлида эди. Баҳодирхожа вақти келиб бу сирдан воқиф бўлди ва бу тубан ишнинг олдини олиш учун қанчалик уринмасин, фойдаси бўлмади. Ноилож, аянчли бир алпозда молу мулк, аҳлу аёл ва бола чақадан кўнглини узиб, неча бир дард-ҳасратда одамлар орасида туришдан ор-номус қилганча қочишга қарор қилди ва Бухоро сари юзланди. Бир неча масофани босиб ўтгач, амир Насруллоҳ олдига келди ва у ердан байтуллоҳ зиёрати сари йўлга тушди. Ҳаждан қайтишда Хоразм вилоятига етишгач, ҳақнинг «иржаи»¹⁷³⁰, яъни ҳузуримга қайт деган чақирғига «лаббайка» деб жавоб берди. Алқисса, Муҳаммадалихон мода ўзининг сут эмизиб, онаси ўрнига ўтган бева аёлни ҳам ўз никоҳига киритди. Ўйин-кулги ва маишатбозликни эса яна ҳам баттар оширди. Унинг бу каби ҳаёт тарзи олам ўлкалари бўйлаб ёйилди. **Мисраъ:** То қиёмат бод лаънат бар сари қабри лаъин (Қиёматгача шайтоннинг қабрига лаънат ёғилсин); Ён-атрофдаги давлат эгалари Муҳаммадалихон мода ҳукуматини қулатиш мақсадида унинг вилоятига кўз тика бошладилар. Шу жумладан, амакиси амир Олимхоннинг бир неча йиллардан бери Шаҳрисабзда ўтирган катта ўғли Оталиқхон бўлиб, дарҳол Ҳисор йўли орқали Қоратегин вилоятига бориб, пайт пойлаб ўтирди. Бу хабарни Муҳаммадалихон

¹⁷³⁰ Қуръони карим, 89:27 – 28.

мода эшитиб, Муҳаммадшариф қўшбегини сардор қилиб, Фарғонанинг бутун лашкари билан Қоратегин томонга юборди.

Хўқанд амирларининг Қоратегин томон қўшин тортгани ва ул диёрни эгаллагани зикри

Хўқанд амирлари ўз миридан рухсат олгач, мақсад сари йўналдилар. Кўхистоннинг тошли сўқмоқ йўлларида юриб, неча бир манзилларни босиб ўтгач, ул вилоятга етишдилар. Давлат ғурури билан маст шоҳзодаларнинг эса Хўқанд томонидан бундай юриш амалга ошиши борасидаги гаплар ҳақиқатдан узоқ ажойиб-ғаройиб иш бўлиб кўринарди. Шунинг учун, кимки Хўқанд қўшини босиб келмоқда, деса, дарҳол бошини олишарди. **Маснавий:**

Макун такая бар ганжу теғу сипоҳ,
Зи фарзонагон рою-тадбир хоҳ.
Шавад ройи некў туро дастгир,
Ба жойе ки зоеъ бувад теғу тир.
[Суянма сен хазина, қиличу қўшинга,
Оқиллардан маслаҳату тадбир сўра.
Яхши фикр қўллар сени ҳар дам,
Қиличу ўқингни қилмасдан зое].

Фарғона лашкари бостириб келгандагина, уларнинг каттаси бўлмиш Дарвоз вилояти шоҳи Султон Маҳмуд Хўқанд лашкари келгани аниқ эканига ишонди. Ноилож, Дарвоз ва Қоратегиннинг барча лашкарини тўплаб, душман олдиға уруш қилгани чиқди. Шундан икки кун бурун Оталиқхонга рухсат берган ва Оталиқхон Кўлоб ва Ҳисор йўли билан Бухорога кетганди. Бу айёмда сана 1250/1834-35 йил бўлиб, амир Насруллоҳ Шаҳрисабз устидан қайтиб, Қарши шаҳрига қўш ташлаган эди. Мазкур амирлик паноҳи Оталиқхон келиб, Нахшаб шаҳрида амир Насруллоҳ билан учрашди. Ўшанда камина амир Насруллоҳ билан бирга эдим. Биргаликда Бухоро сари юзландик.

Алқисса, Кухистон шоҳзодалари ҳаммаси бир ерга йиғилиб, эртаси куни Ҳойит¹⁷³¹ ва Сарипул¹⁷³² мавзесида уруш қиладиган бўлишди. Хўқандлик амирлар булар орасида амирлик паноҳи Оталиқхон йўқлиги ва унинг кетиб қолганини эшитиб, улар ҳам белларини юз жойидан боғлаб, урушга тайёр турдилар. Эртасига ҳар икки лашкар денгизи бир-бири рўпарсида саф тизилиб, жанг занжирларини ҳаракатга келтирганча бир-бирларига ёпиша кетишди. Ўлим бозори шу даража қизидики, кекса-ю, ёшни қазову қадар бир хил нарҳда баҳоларди. Қасоскор баҳодирлар қонидан жанг майдони лаъл тусига кирди. Анча олишувдан сўнг зафар насими Фарғона лашкари томонидан эди. Кухистон қўшини қочиш сари тутинди. Султон Маҳмуд бир нечта кишиси билан неча бир азоб-машаққатда ул бало гирдобидан нажот топиб, Дарвоз йўли билан қочиб қолди. Шу урушда қатнашган бошқа шоҳзодалар ҳам ҳар тарафга тарқаб кетдилар. Фарғона қўшини аскарлари қанча кишини ўлдириб, қанчасини асир олдилар ва Қоратегиннинг барча қалъаларини қўл остига киритдилар ва ул вилоят ҳукуматини Муҳаммадқули *парвоначига* топшириб, ўзлари Хўқанд томон қайтдилар. Бир неча манзилларни босиб ўтиб, манзил-мақсадга етдилар ва йўл чарчоқларини ёзиб, ҳордиқ чиқардилар. Муҳаммадалихон мода бу ғалабани катта ютуқ ҳисоблаб, ўз шахсидан фахрланганча қиморвоз ва каптарвозларига «Одамлар билмасдан мени бу кўнгил очар ишларни қилмасликка ундаб, номуносиб қилиқ, дейдилар. Аслида мен ўзим бир неча бор синаб кўрдим – қачон рўза тутиш, намоз ўқиш сингари савоб ишларни қилсам, қайтанга, ўшанча ишим ўнгидан келмай, чаппасига кетади. Қанча гуноҳ ишга қўл урсам, шунча кўпроқ ишим ривож топади» деган экан. Ахир, бундай худо беҳабар малъун тез орада бу каби тараққий топган ишининг остин-устун бўлиб кетишини қайдан ҳам биларди. Нодонлик юзасидан ҳамиша фисқу фужур билан аммора нафсга итоат ва эътиқод узангисида чопди, парҳезкорлик ва тўғрилиқ йўлидан четга чиқди, ҳар бир лаҳзасини қўлидан келганча зулм ва хатокорликнинг нотекис дашти тошлоғида ўтказди. Ҳеч қачон солиҳа амалларнинг саодат обод ўлкасидан ўтмади, имкон дастурхонидаги барча маслаҳат ошини исён лўқмаси ўрнида гумон қилди, юксалиш ҳавасининг қўлини эзгу мақсадлар дастурхони сари чўзмади.

Фарғона мамлақати ишлари Азимжон бой қўлида пайти бу худони танийдиган ва бировнинг ҳаққини емайдиган одам Муҳаммадалихон мода тарафдори сифатида қўлидан келганча давлат тараққиёти учун тиришқоқлик кўрасатаркан, у ҳам наби *алайҳиссалом* динига путур етаётганини

¹⁷³¹ Ҳойит – Тожикистондаги Фарм ноҳиясининг маркази.

¹⁷³² Сари пул – Ҳойит қишлоғи яқинидаги жой номи.

англаб, мусулмонлик ва давлатхоҳлик юзасидан қайта-қайта Муҳаммадалихон модани ярамас қилиқлардан тийинишга ундади. Қаранг, бу кишининг гаплари ҳам ул Аҳриман дев¹⁷³³нинг мизожига ёқмади ва Азимжон бой каби инсофли кишига ғзабини сочди ва бор мол-мулкини мусодара қилиб, бировнинг ҳаққини ўзига ўзлаштирди. Бу ҳам камлик қилгандай, бечорани энг қаттиқ азобларга дучор қилганча кишанга солиб қўйди. Анча вақтдан сўнг эса Тошканд томонга юбортириб, ул мазлум бечорани неча бор хорлик-зорлик билан аянчли тарзда шахидлик даражасига етказди.

Ўша кезларда Муҳаммадқулибекни Қоратегин ҳукуматини бошқариш мансабидан бўшатиб, ўрнига Мирзо Раҳим *парвоначини* юборди. Ул амирлик паноҳи бир неча вақт Куҳистон вилоятида ҳукмронлик қилди. Сўнг вафот этди. Бу хабарни эшитган Муҳаммадалихон мода Шоҳи *парвоначини* Ўратепа ҳокимлигидан бўшатиб, унга Қоратегин бошқарувини берди. Ул амирлик паноҳи Қортегинга бориб, ҳукумат ноқорасини чалди. Унинг ўрнига Ўратепа ҳокимлигига эса ўзининг хазиначиси Каримқули *додхоҳни* тайинлади. Шу билан яна айшу-ишратини давом эттиришга киришди. Ўшанда Муҳаммадалихон модага Шоҳи *парвоначидан* хабарчи келиб, Кўлобдан жуда кўп сонли кўшин келгани ва Қоратегинга тааллуқли ерларга ҳужум уюштиргани, агар Хўқанддан ўз вақтида кўшин юборилмаса, вилоятга зарар етажагини айтди. Муҳаммадалихон мода бу ишни Муҳаммадшариф *қўшбегига* ҳавола қилди ва ўзи қимор ўйнаш билан банд бўлди. Амирлар, бу иш пайсалга солинса оқибати чатоқ бўлиши ва мирга умид кўзини тикишдан эса мушқил тугуни мутлақо ечилмаслигини билишиб, ноилож, ўзлари билганча кўшин тортиб кетишди.

Хўқанд умаросининг Куҳистон вилоятига кўшин тортигани зикри

Муҳаммадалихон моданинг амирлари кўп сонли кўшин билан Куҳистон мамлакати сари юзлангач, неча бир қийинчилик билан бир қанча масофа йўл босиб, ул вилоятга етдилар. Шоҳи *парвоначи* билан биргаликда Дарвоз йўлидан кетишди. Бу хабар Куҳистоннинг барча вилоятларига тарқалгач, шаҳар ҳокимлари Фарғона лашкаридан кўрқиб, қалтираб-қақшашга тушдилар. Кўлобнинг ҳокими Довулбийнинг ўғли ибн Каттабий бўлиб, ўзини ёмон қилиқлардан тия билмаслик ва уят-шармсизликда Муҳаммадалихон модани ўз шогирдлари қаторида кўрувчи бу одамнинг ҳусну-жамолда тенгсиз бир қизи бор эди. У ўзидан кўрққанидан ўша қизини Муҳаммадали модага тухфа қиладиган бўлиб, тобелик изҳор этди. Ҳеч бир ҳукмдорга бўйин эгмайдиган Дарвоз ҳокими ўзидан кўрқиб, у ҳам кўплаб тухфа ва ҳадялар билан Хўқанд амирларини кутиб олди ва Хўқандга тобелигини билдирди. Хўқандлик амирлар ўз дилларидаги мудаонинг бир неча баробар кўп даражада ечилганини кўриб, ҳокимларнинг ҳар бирини ўз ўрнида қолдириб, Каттахоннинг қизини олганча ва Дарвоз ҳокими Султон Маҳмудни ўзларига қўшган кўйи Хўқанд сари юзланиб, йўл юришга тушдилар. Йўл асносида ногоҳоний ажал кўли Султон Маҳмудхоннинг ёқасидан олиб, олдинга юришга қўймади ва ул ҳоким бу мағрурлик уяси бўлмиш тупроқ маскандан этагини йиғиштириб, охират уйи сари юзланди. Фарғона лашкари эса манзил ва масканларни орқада қолдирганча Хўқандга етиб олиб, Муҳаммадалихон модага кўруниш бердилар. Муҳаммадалихон мода бу ғалабани ўзининг касофат ишлари шарофатидан билиб, шодмон бўлиб, қувончдан терисига сиғмади. Аммо, билмасдики шам ўчаётган маҳал яна ҳам равшанроқ ёнади. **Мсраъ:** Шамъи ман дар вақти мурдан хона равшан мекунад (Менинг шамим ўчаётганда хонани кучлироқ ёритади).

Навбатдаги гапим қисқаси шуки, Ҳиндистондаги Лоҳур¹⁷³⁴ дарёси қирғоқларида бир хил ўт бўлиб, уни «саловоти шариф ошиғи» дейишади. Чунки бу ўт-ўлан саловоти шариф қироат қилинганда нечукдир ҳаракатга келади. Шунинг учун ҳиндистонлик лўттибоз фирибгарлар ул гиёҳларни олиб, ҳазрат наби алайҳиссаломнинг муборак соч толаси, яъни муйи муборак, дея мусулмон халқни алдаб, пул ундирадилар. Шайхча номли ана шундай бир аблаҳ фирибгар шайх бўлиб, у ҳам ҳиндистонлик касбдошларига ўхшаб, ўша гиёҳдан келтириб, қараса, бу дунёда Муҳаммадалихон модадан аблаҳроқ киши йўқ, бинобарин, ҳалигини Муҳаммадалихон модага сотиб, эвазига катта пул ундиради. Муҳаммадалихон мода эса ул қалбаки тола, яъни, аслида толасимон ўт-алафни олиб, амир Умархон қасрига илиб қўйиб, зиёратгоҳга айлантиради. Анча вақт саҳройи халқ бу ўтни зиёрат қилиб юришади. Анчадан сўнг ул гиёҳни у ердан олиб, Қоратепа мавзесига элтиб, ўша ерда қўйишади ва шу жихатдан мазкур мавзе «Мўйи муборак» номи билан шуҳрат қозонди. Жуда кўп халқ отлиқ ва пиёда шу мавзегга эниб келиб, бу халқ оқимининг кети узилмай, шу ерда тўпланганча зиёрат амалларини бажариб юрдилар. Бу гапдан сўнг бошқалар ҳам гумроҳлик йўлига

¹⁷³³ Икки худолик асосига қурилган зардўштийликда олам яхшилик (Ахурамазда) худоси ва ёвузлик (Аҳриман) деви томонидан бошқарилиши айтилади.

¹⁷³⁴ Лоҳур ҳозир Покистонда жойлашган шаҳар номи.

кириб, Фарғона ўлкасининг барча мамлакатларидан қаерда қўтас деб аталувчи даштда ўсувчи «сигир куйруғи» бўлса, келтириб, ўша ерга туғ қилиб тика бошлашди. Мазкур мавзегга тўрт минг ана шундай туғни худди дарахт каби қилиб ўтказган эдилар. Ўша кезларда яна бир инсофсиз хожи Марғинон шаҳрида худди ўшандай дастгоҳ тузиб, содда халқни алдаб юрди. Шундан сўнг Азимжон бойнинг уйида ҳам бир «мўйи муборак» пайдо бўлиб қолди. Фарғонанинг энг содда инсонлар бўлмиш бечора халқи ул доғули хожилар сўзига ишониб, мазкур ўт-ўланларни ҳазрат хайрул-башарнинг муборак соч толаси билиб, зоҳирий бидъат пайдо қилиб, Муҳаммадалихон мода даврида бир неча вақт залолат ботқоғига ботиб юрдилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтадилар ки: «Инсонлар ўз подшоҳларининг динидадирлар»; Чунончи хабарда келмишким, наби алайҳиссалом дейди: «Ҳар бир янги пайдо бўлган нарса бидъатдир, ҳар бир бидъат залолатдир ва ҳар бир адашувчи дўзахдадир». (Шаъбийнинг «Кифоя» асаридан].

Мўминларнинг онаси Оиша р.а ривоят қилиб айтадиларки, Пайғамбар (а.с) шундай дедилар: «Кимки, бизнинг динимизда диндан бўлмаган нарсани пайдо қилса у (наrsa) рад қилингандир». (Бухорий ва Муслим ривояти].

Муслимнинг ривоятида: «Кимки, динимизда бўлмаган амални қилса, у (амал) рад қилингандир», дейилган.

Фақир бутун дунёни кезиб, Маккаи муаззама ва Мадинаи мунавварада шарифлар билан улфат бўлдим, Миср, Шом ва бошқа ўлкаларда «онҳазрат *саллаллоҳи алайҳи васаллам*нинг муборак соч толаси оламнинг фалон ерида сақланади» деганларини ҳеч бир одамдан эшитмаган эдим, аммо, қайтиб келгунимча Хўқандда бир эмас учта «мўйи муборак» пайдо бўлиб қолганини эшитиб, хайратдан ёқамни ушладим ва буниси тағин қанақа ҳикмат бўлдийкин, дея тафаккур денгизига чўмдим. Агар бу нарсалар ҳазрат *алайҳиссалом*нинг муборак мўйлари бўлмай, аллақандай ўт-ўланни ул ҳазрат алайҳиссаломга нисбат берсалар, албатта бунинг жазосини тортишади, дея ўйлаб юрдим. Кейин бу барча очиқ-ойдин бидъатни амалга ошириш ва шариатга хилоф ишларни юзага чиқариш ҳам Муҳаммадалихон моданинг бадбахтликларидан бўлганига ишончим комил бўлди. Чунончи унинг ёлғончилиги ойнадан ҳам равшанроқ бўлди ва оқибатда буларнинг самараси ўзини яққол кўрсатди. **Байт :**

Сўхтем аз дасти саррофони жавҳар ношинос,
Доимо хармўхраро бо дурр баробар мекунанд.
[Гавҳар билмас саррофлар қўлидан куйдик, чун,
Доим лой кўзмунчоқни дур билан тенг билишар].

Муҳаммадалихон моданинг ўзининг ўғай онаси Хонпошшога уйланишини ҳалол деб билгани ва ул абадий малъуннинг ўша аёл учун дину дунёсини бой бергани

Муҳаммадалихон мода кўп йиллардан бери ўз ўғай онаси Хонпошшо билан зимдан дон олишиб юрарди ва уламога отасининг бевасини ўз никоҳига киритиши мумкин ё мумкин эмаслиги борасида қанчалик мурожаат қилмасин, ўша давр уламози ҳам шариатда бунга рухсат бор-йўқлиги хусусида бирон нарса излаб топишга қанчалик вақт сарф қилишмасин, бу масалани ҳал қилувчи ҳеч бир ҳужжат-далил топмадилар. Муҳаммадалихон мода қараса, кўнгли тусаган мақсадга ислом йўли билан эришиб бўлмайди. Ниҳоят, бошқа бир чора ҳақида бош қотира бошлади ва бундай макрли тадбирни топиб, бир куни уламонинг муҳрини келтиришни буюрди ва дунё учун ўз динини сотган икки муллога бу масала борасида ёлғондакам ривоят ёзишни топширди. Улар ўз жонидан кўрққанидан бир нималар битишди. Ул малъун мазкур ривоятга уламонинг муҳрини босиб, Хонпошшога кўрсатди ва ул хотин ҳам худди шундай ишни хоҳлаб, баҳона ахтариб юраркан, бажону дил қабул қилди. Аммо, Муҳаммадалихон мода билмасдики, хотинлар **байт:** Ҳар дам ба ҳавойи дилрабойи дигар аст, Ҳар лаҳза зи рўйи фикр жойи дигар аст (Ҳар дам бошқа бир дилбар ҳавасини қилур, Ҳар лаҳза хаёлида ўзга ер орзуси бўлур); Муҳаммадалихон мода ўзининг бир нечта тарафдорларини холи жойга чақириб, мазкур ниятини ўртага ташлабди. Ҳар ким ўзича бир нималар деган бўлибди. Унинг бошқалардан кўра ҳақгўйроқ бир надими бор экан, ўша тап тортмасдан: – Бу иш зоҳир далолат тасдиғи билан аниқ кўрсатилган ва агар ҳалол сифатида талқин этиб, никоҳ масаласини илгари суриб уни амалга оширсангиз, тўрт мазҳаб уламози наздида кофир бўласиз ва бу аср уламози Сизнинг кофирлигингизга фатво беришади ҳамда олам инқироzi, яъни қиёмат қойим бўлгунча лаънатлашади. Ундан кўра, шу илгариги одатингиз бўйича бу аёл билан зино тарзида яқинлик қилиб яшайверсангиз ва уни қаттиқ яширин тутсангиз, бундан маъкули бўлмайди, чунки зинода айбланиш кофир бўлишдан яхшироқдир, – дея, сўзига ушбу байтни ҳам қўшиб қўйибди:

Корҳойи инчунин он беҳ ки пинҳони шавад,
Ошкоро гар куни албатта расвои шавад.
[Бунақа ишларни яхшиси бекитиқча қилинг,
Ошкоро қилинса, расволик бўлиши аниқ гап].

Бу биринчи надим ўз сўзини тугатгач, иккинчи бир надим ўртадан чиқиб: – Кўпчилик зино сингари катта гуноҳни ҳам куфрга тенг кўришган. Бу маслага нима дейсизлар, – дебди ва ушбу шариат ҳукмларини баён қилиб, деди: Насафийнинг «Ақоид» асари¹⁷³⁵ га ёзилган [бир] шарҳида айтилишича, бир гуноҳ (маъсият)ни хоҳ кичик хоҳ катта бўлсин, агар ўша гуноҳ қатъий далил билан исбот бўлган бўлса, уни ҳалол санаш куфрдир, унга нисбатан истехзо қилиш ҳам куфрдир, агар ҳалолни ҳаром деб эътиқод қилса, ўша нарсанинг айни ҳаром бўлса ва яна қатъий далил билан исбот бўлган бўлса бу ҳам куфрдир».

Муҳаммадалихон мода бу масалаларни эшитгач, қараса, ҳар иккисида ҳам кофир бўладиган. Шунда «мен сизларни ишим чораси учун хузуримга чақирдим, муллочилик қилиб, бошимни қотириш учун эмас, қани, туринг, дафъ бўлинг бу ердан» деб ҳаммасини олдидан ҳайдаб чиқарибди.

Байт:

Ҳар чи дар шаръу ақл бад бошад,
Накунад ҳар ки бо хирад бошад.
[Ақл ва шариат олдида нима ямон бўлса,
Хирадманд киши уни қилмагани аниқ].

Чунки, унинг асл муддаоси Одам яратилгандан бери ҳеч ким қилмаган ва эшитмаган ишни қилиб, ҳам яратгувчи томонидан мардуд бўлиш ва ҳам халқнинг нафратига учраш ҳамда қиёматгача йиғинларда лаънатланиб юриш, шариат буюрмаган амални бажариш эди. Ул малъун қараса, бундай иш эвазида шу юқоридагиларнинг барчаси мавжуд. Бинобарин, ўшаларга хилоф ушбу бир неча масалани ихтиёр этди: ойдин ҳукм будирким «Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг!»¹⁷³⁶. Муфассирлар айтишадики, оятдаги «никоҳ» лафзидан мурод вати, яъни жимоъдир. Яъни, оталарингиз яқинлик қилган аёлларги яқинлик қилманг. Мазҳабимизда отанинг никоҳида бўлган аёл, отанинг жорияси ёки ота зино қилган аёл билан яқинлик қилишлик ҳаромдир. Бунга кўпгина муфассирлар иттифоқ қилишган. Ушбу оят нозил бўлганда саҳобалар: «Бизлар аввал шундай қилар эдик, бизлардан мана шу ишни қилганларнинг аҳволи нима бўлади?», – деб сўрашганда, «Магар илгари ўтган бўлса, (уйланган бўлсангиз, Аллоҳ афв этар)»¹⁷³⁷. Яъни, аввал шу ишни қилган бўлсангиз сизлар жазога тортилмайсизлар». Сибавайх¹⁷³⁸нинг айтишларича бу ердаги «илло» ҳарфи мунқотиъ, яъни кесилгандир. Мана шундай никоҳдаги ҳолатни Аллоҳ таоло: «Албатта, бу хунук ва жирканч бўлган ёмон қилиқ (фаҳш)дир»¹⁷³⁹, – деб сифатлаган. Фаҳш сўзи луғатда, қабих, жирканч, Аллоҳнинг, мўминларнинг ва барча инсонларнинг наздида ёмон кўрилган иш маъносини билдиради; бу амални қилган кимсадан барча жирканади. Шунинг учун бу никоҳни жирканч никоҳ ва ундан туғулган болани мақта (душман, ёмон бола) дейилади. Оятдаги «Ёмон йўлдир» маъноси (энг жирканч йўл) маъносидадир». Тафсири «Мадорик»¹⁷⁴⁰ дан.

Юқоридагилардан хулоса шуки, «кимки оятга ёки оятнинг ўрнига ўтадиган суннат, ижмои умматга хилоф гап айтадиган бўлса ёки шундай нарсага эътиқод қилса у кофир бўлади». Абу Шукур Солимий «Тамҳид» ининг «Суннат ва жамоат» мавзуидаги ўн биринчи бобидан «Кимки, Аллоҳ бандаларининг феъллари, Пайғамбарнинг саҳобалари тўғрисида, оятга, ҳадисга ва ижмога хилоф гапирса кофир бўлади». Абу Шукур Солимий «Тамҳид»идан. «Шариатни мазаҳ қилиш, гуноҳларни енгил санаш ҳамда ижмони инкор қилиш куфрдир», дейилади «Фатовойи Ҳамодия»да.

Айтмишларким, **байт:**

¹⁷³⁵ Насафийнинг “Ақоид” асари – Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад Насафий (1069-1142)нинг асари. Насафий - тарихчи, факих, тилшунос, муҳаддис, муфассир олим. Унинг мусулмон қонуншунослигага доир “Манзумат ан-Насафия фи-л-хилофиёт” (“Келишмовчиликлар борасида Насафийнинг назмий асари”), “Ақоид ан-Насафия” (“Ислом ақидалари Насафий тазминида”), шариат қонунлари ва Қуръони карим шарҳига доир “Ал-йавоқит фи-л-мавоқит” (“Қулай вақтлар хусусида ёкутлар”), уч китобдан иборат (100 босма табоқ ҳажмида) “Тайсир фи-т-тафсир” (“Тафсир этишдаги қулайликлар”), шунингдек, тасаввуфга доир “Рисомайи Нажмия” китоби бизгача етиб келган бўлиб, улар етарли тадқиқ этилмаган. Мусулмон оламида Абу Ҳафс Насафий асарларига қизиқиш қадимдан катта бўлган. Унинг “Манзумат ан-Насафия” асарига замондоши Аловуддин Абулмужоҳид Муҳаммад Самарқандий (вафоти 1157 й.) “Хаср ал-масойил ва касру-д-далойил” (“Масалаларнинг чеклангани ва далиллар касри”) деб, номланган тафсир битган.

¹⁷³⁶ Қуръони Карим, 3:22.

¹⁷³⁷ Қуръони Карим, 3:22.

¹⁷³⁸ Сибавайх/Сибавейх –

¹⁷³⁹ Қуръони Карим, 3:22.

¹⁷⁴⁰ Тафсири Мадорик – Абу-л-Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафийнинг “Мадорик ут-танзил ва ҳақоик ут-таъвил” китобига ёзилган шарҳларнинг бири бўлиши мумкин.

Бош то дасташ бубандад рўзгор,
Бас ба коми дўстон мағзаш барор.
[Кутгин ҳаёт уни ўз жойига қўйсин,
Кейин дўстларинг муроди учун унинг мағзини чиқар)

Алқисса, Муҳаммадалихон мода бир умр улфат тутинган ва жўралик лофини уриб юрган қиморвоз ва каптарбозларни хузурига чорлаб, уларга ҳам бу сирни очди. Ҳаммаси бир ёқадан бош чиқариб «жуда яхши, жуда соз ва муносиб иш» дейишибди. Улар орасида иблисни ҳам ўзига шогирд билувчи Қора маҳрам исмли битгаси бўлиб, ўша: – Бу ишни мақбул кўрмаган уламнинг сўзига қойил қолмадим. Ахир онанинг ичида пайтимиз олотсиз эмасдик. Айниқса, туғилаётган пайтимиз албатта олатимиз онанинг фаржига теккан. Нега у пайтда тегиши жоиз бўлади-ю, ҳозир бўлмайди. Фарқи фақат унда гўдак бўлганмиз, ҳозир эса балоғат ёшидамыз, ана шу холос, – дебди. Бу динсиз габрнинг сўзи малъун Муҳаммадалихон моданинг қулоғига етишгач, мойдек ёқиб тушиб, минг бир хандон бўлиб кулганча «жуда яхши сўзларни айтдинг, шу пайтгача ҳеч ким табъимга ёқадиган бу каби сўзни айтмаган эди» дебди ва дарҳол ўша қиморбозга олий сарупо тортиқ қилиб, уни барча қиморбоз ва каптарбозлар тўдаси устидан бошлиқ қилиб қўйибди. Тўғри айтганлар, байт:

Аз бадон жуз бади наёмўзи,
Накунад гург пўстиндўзи
[Ёмонлардан фақат ёмонлик ўрганасан,
Бўрини пўстин тиккишини кўрганмисан?].
Ва яна айтимшлар, **байт**:
Нахондаам, нашнидааму надидаам ҳаргиз,
Касе ба жойи падар ҳукм кард ва модар год?!
[Ўқимадим, эшитмадим ва ҳеч ҳам кўрмадим,
Отаси ўрнига подшоҳ бўлсаю яна онасини ҳам с....а?!)

Хулласи калом, шу гаплар билан ўзининг ўғай онасини хотин қилиб олди ва бу хабар фақат Фарғона вилоятлари бўйлаб эмас, балки ер юзига ёйилди. Эшитганларнинг бариси ҳайрат бармоғини тишлашиб, лаънат айтдилар. Ул икки малъун – Муҳаммадалихон мода ва Хонпошша бир неча муддат бирга яшаб, ул икки нопокдан худои таоло Қуръонда зикр қилинган каби уч нафар «мақто» фарзанд дунёга келди. Муҳаммадалихон моданинг ўзига хотин бўлган ўғай онаси мадҳида битган туркий абёти ушбудир, **байт**:

Панжара ичига кирган хон нигорим ўзлари,
Кечаси майлар ичиб кундуз хуморим тўғрусини.

Бу **мисраъ** ҳам ул нопокники: «Отангни оти саййид Ғози, сан ғозии иймонсен».

Фақир ва Султон Маҳмудхоннинг ҳазрат эшон Шофеъи буйруғи билан амир Насруллоҳга хат ёзгани зикри

Бу хабардан ўша пайти фақир ва кўзлар нури Султон Маҳмудхон хабар топгач, манқалга тушган исриқ каби чирсиллаб ёна бошладик. Биргалашиб, жаноб кутбил авлиё ғавсил атқийё эшон Шофеъи ҳазратлари олдига бордик. Жаноб эшон ҳам бу воқеани эшитган эканлар. Биздан ҳам сўраб, аниқлаштириб олмоқчи бўлдилар. Биз бўлиб ўтган воқеани сўзлаб бердик. Жаноб эшон қалбида аҳмадий дини ғайрати жўш урди ва Султон Маҳмудхонга ғазабини сочиб: – Бу шахснинг кофирлиги оят, ҳадис ва фатво чиқарувчи мужтахидлар сўзи билан исботланиб турган бир пайтда муҳаммадий дини ривожини учун минг бор курашсангиз ва ул малъун қўлидан мусулмонларни кутқаришга уринсангиз ҳам барибир ўша ҳукм ичига кирасиз, яъни, қараб-кўриб, индамай турганлар қаторида, худо сақласин, кофир саналасизлар, – дедилар. Султон Маҳмудхон ҳазрат эшондан бу сўзни эшитиб, дарҳол Муҳаммадалихонга қарши худо йўлида курашиш учун белини маҳкам боғлаб, бу улуғ ишни амалга ошириш пайдан бўлди ва шундан сўнг Султон Маҳмудхон ҳазрат эшон маслаҳати билан амир Насруллоҳга ушбу мазмунда хат битди: «Оғам Муҳаммадалихон отасининг бевасини ҳалол билиб, никоҳлаб олибди. Бухоройи шариф уламнинг конидир. Бу масала бўйича қандай ҳукм чиқарган бўлишар эди. Сиз Мовароуннахрнинг каттаси бўласиз. Бу ярамас ишга нима дейсиз?» Бу воқеани амир Насруллоҳ ҳам эшитган бўлиб, хат унинг қўлига теккач, дарҳол ўз надими Абдурахим қалмоқни элчилик йўсини билан Муҳаммадалихон мода олдига жўнатди ва ул бечора неча бир ҳашамат билан масофаларни босиб ўтгач, Хўқандга етиб борди. Муҳаммадалихон мода элчига хурматлар кўргузди. Жавоб бериш куни ул бечора: – Амир Насруллоҳ айтадиларки «Хўқанд уламиси ота бевасини ўғилга жоиз деб, ривоят берибдилар. Биз Бухорода бир нечта мўътабар китобларни

кўздан кечириб, бунинг шаръий рухсатини топмадик. Ўша ривоятни бериб юборсалар ва Бухоро уламози бундай рухсатнинг қайси далилга асосланиб, исбот қилишганини кўрсалар», – деди. Элчи шу янглиғ сўзларини тугатгач, тийнатида жоҳиллик қоришган Муҳаммадалихон мода ғазаб алангаси ичра қолиб, дарҳол ўрнидан турди ва элчини уриб ерга қулатиб, бошини тишлари билан ғажий бошлади. Надимлар югуриб келиб, элчи бечорани Муҳаммадалихон мода кўлидан кутқариб олишди. Барибир Муҳаммадалихон мода ҳовридан тушмай, келганларнинг ҳаммасини ушлаб, қамоққа ташлаш ҳақида буйруқ берди.

Муҳаммадалихон моданинг Жиззах устига қўшин тортгани ва Пешоғар қалъасини ташлаб, ул бахти ётган мирнинг ўз амирларидан сабабсиз ранжиганча адашган ит каби қароргоҳи Хўқандга қайтгани зикри

1255/1939-40 йили Муҳаммадалихон мода телбаларча зудлик билан Фарғонанинг барча лашкарини йиғиб, Жиззах томон йўналди. Бир неча манзилларни босиб ўтиб, Пешоғар вилоятига кириб борди. У ерда мустаҳкам бир қалъа қурди ва Гадоё бойни кўркмас жангчилар билан ул қалъада қолдириб, ўзи қайтиб, катта йўлда қўш ташлади. Ўша ерда барча аскарларини қўйиб, ўзи юз кишиси билан Жиззах томонга йўналди. Унинг мақсади Фарғона лашкаридан ўзиб, олдинга тушганча Жиззах қўшини билан уруш қилиш эди. Амирлар қарашса, Муҳаммадалихон мода юз кишиси билан урушга кирмоқчи. Амирлардан Лашкар *қўшбеги*, Муҳаммадшариф *оталиқ*, Баҳодир *парвоначи* сингари бир нечаси зудлик билан ўз мирининг кетидан етиб бориб «Сиз бу бир ҳовуч киши билан қаерга кетяпсиз?» дейишди. Муҳаммадалихон мода ўша чоғда бўзага роса бўккан бўлиб, маст ҳолида «мен булар билан бирга Жиззах қўшинига қарши уруш қиламан ва ўзим ҳам бир нечта душманни шахсан ер тишлатмоқчиман» деди. Амирлар эса: – Сиз Фарғона мамлакатининг ҳукмдорисиз ва ҳозир Жиззах қалъаси ичида уч минг жасур жангчи турибди, улар устига бу юз нафар киши билан боришингизда хосият йўқ. Агар кўнглингизда урушни томоша қилмоқ истаги бўлса, қўшинга буйруқ беринг, токим Жиззах қалъасини узук қошидек ўраб олиб, қамал қилайлик. Сиз эса бемалол муҳориба томошасини қилаверинг. Акс ҳолда ўзингизни ҳалокат сари етаклаган бўласиз, – дейишди. Муҳаммадалихон мода ўз амирларидан бу сўзни эшитгач, уларга ҳеч нарса демасдан, отдан ерга тушди ва бошини ўй ёқасига тикди. Ўша аснода Лашкар *қўшбеги* ва Муҳаммадшариф *Оталиқ* яна қайтиб келиб «лашкарни эгасиз қолдириб, бу мавзеда ўтиришингиз эҳтиёткорликдан йироқ иш» дейишди. Муҳаммадалихон мода уларнинг сўзини эшитиб, дарғазаб бўлди ва шу заҳоти ўрнидан туриб, барча лашкарини шу ерда қолдирган қўйи иккита *махрами* билан Ўратепа сари юзланди. Ким кетидан борса, уят ва ярамас сўзлар билан сўкиб, ҳақорат қилди. Сўнг жуда тез от чоптириб, ўн еттита *махрами* билан тун ярмидан оққанда Ўратепага кириб борди. Эртасига сахар чоғи у ердан ҳам отланиб, икки юз киши билан Хўжандга келиб тушди. Эртаси куни Хўжанддан чиқиб, шошилич равишда бир манзил йўл юрганча Хўқандга кириб борди ва фоҳишаларини йиғиб, бўза ичишга киришди.

Гапнинг қисқаси шуки, Муҳаммадалихон мода қўшинни ташлаб, Хўқанд сари йўналганда, барча амирлар ўз айтганларидан пушаймон бўлиб, нима чора қилишни билмай қолдилар. Қарасалар, афсус-надомат билан иш битимайди. Ноилож, барча саркардалар тўпланишиб, маслаҳат бошини бир ерга эндирдилар. Чунки, бу ердан кўчиб, Хўқанд томонга қайтсалар, Муҳаммадалихондан кўрқишади, шу ерда туриб қолсалар бунинг оқибати нима билан тугаши ақлларига ҳам сиғмайди. Деярли юз минг кишилиқ лашкар ул чексиз биёбонда соҳибсиз нима иш қилишни билишмай, хайрон ва бошлари айланганча туришади. Кетма-кет Муҳаммадалихон мода орқасидан тез чопар отлик чопарларни жўнатиб, «миримиз нима десалар, шунга кўра иш тутамиз» деган умидда бирор рухсатни қўлга киритиш пайдан бўлишади. Муҳаммадалихон модага амирларидан қанча хат келган бўлса, биронтасига ҳам қиё боқмайди, битта-яримтасини кўрса ҳам ҳеч қандай жавоб бермай, фақат сўкиниб-сўкиниб ўқиб чиқади. Айтишларича, бир ҳафта ичида қирқ чопар юборишган экан. Биттасига ҳам жавоб бермаган. Амирлар қарашса, доллари бирон ерга етадиган эмас. Ноилож, ул мавзедан кўчиб, Ём ва Зомин ўртасини ўзларига лашкаргоҳ айлашади. Ўша айёмда Муҳаммадалихон модага амир Насруллоҳнинг Пешоғарни фатҳ қилгани, Гадоёбой *парвоначининг* эса қалъани ташлаб, Хўқанд лашкарга қўшилгани ва Амир Насруллоҳ яна ўз мамлақати пойтахтига қайтаркан, йўлда Самарқандга тушиб, Шаҳрисабз вилоятидан Муҳаммадалихон моданинг укаси Султон Маҳмудхонни чақиртириб, жуда меҳрибонликлар кўрсатгани ва унга Урмайтан ҳукумати билан бирга Қуҳистоннинг барча ерларини бергани, ўзи эса Бухоро сари юзлангани ҳақида хабар келади. Бу хабарни эшитган Муҳаммадалихон мода заҳрини тўкмоқчи бўлган заҳарли илон каби оташ ичра тўлғанади. Шу маҳал Фарғона лашкари ҳам ночор ва тарқоқ аҳволда Хўқандга кириб келади.

Муҳаммадалихон мода борган сайин ўзининг бўлмағур ишларини аввалгисидан ҳам неча баробар зиёдрок қилди. Чунончи, бузукчилик сарчашмаси бўлган ул Хушҳол ва Ошула исмли чаён думли икки фоҳиша мамлакатда аҳолига озор бериш қўлини яна баланд сармадилар. Илгари мусулмонларнинг хотин-қизларини кечаси яширинча олиб кетиб юришган эса, энди бу каби вазифаларини ёруғ кунда ижро эта бошладилар. Уламо, умаро ҳамда шаҳар ва қишлоқ фуқароси ул икки маккора хотин жавру-жафосидан жонлари халқумига келди. Муҳаммадалихон моданинг ҳам ўгай онаси ва ҳам суюкли хотини бўлмиш Хонпошонинг меҳру муҳаббати эрининг юрагидан каттиқ жой олган эдики, шу аёл нима деса, ўшани қиларди. Ҳеч кимнинг бу ҳақда сўзлашга юраги бетламасди – нола-фиғон чекишдан бошқасига кучлари етмасди... **Мисраъ:** Шояд ки зи сад нола яке коргар ояд (Юз ноладан биттаси балки ишга яраб қолар); Фақат ҳақиқий подшоҳ, яъни Аллоҳга ёлвориб «эй Фарғона мамлакати улуғлари, сизларни халқ ва Ҳаққ йўлида зулм чекиб, золимни ўлдирувчи дейишарди. Зулм чекувчи экансиз, кўряпмиз, аммо, золимни ўлдирувчи эканингизни кўрмаймиз. Аён бўлмоқдаки, «ал-шиё марҳуна биавқотиҳо» мазмунига кўра, мавқуф бўлган». Амирлар қанчалик «давлатнинг путурдан кетиш воқеаси рўй берди, хотинингиз бўлган ўгай онангиздан ажрашинг ва бошқа ярамас ишларингиздан ҳам чин қалбдан эҳтиёжсиз яратувчи даргоҳида тавба қилинг, шояд илах тавбангизни қабул қилса» дейишса ҳам ул малъун дилига маҳкам ўрнашган лаънати иблис васвасаси гирдобиди қуйидагича тарзда: – Агар мен бундай шароитда бу ишлардан ўзимни тўхтатсам, одамлар, қаранг, кўрққанидан ўзини тийди, деб аташади. Шунинг учун бу ишдан қўлимни тортмайман, – деркан. Амирлар унинг бу каби нолойиқ жавобидан ўйланиб қолишибди. Ҳайрон бўлиб, ҳар ким ўз иши пайдан бўлибди. Ул дев сифатнинг носавоб феълидан алам чекиб, давосиз дардга йўлиққанча дардларига бирон малҳам топишмабди. Сабрдан ўзга чорани кўришмабди ва ул аблахнинг несту-нобуд бўлишини ҳақиқий подшоҳдан тилашибди. Аммо у ҳам осонликча муяссар бўлавермабди. Муҳаммадалихон модани эса бошига тушажак қайғули ва даҳшатли кунлар ҳақидаги хаёллар бузғунчилик ҳислари билан тўлган кўнглининг четидан ва юрагининг бир бурчагидан ҳам ўтмайдиган ғафлат гирдоби ўз қаърига олган эди. Ҳазрат парвардигор субҳона ва таоло амалга оширмақчи бўлган ҳукми ғафлат нили воситасида кўрар кўзларни қоронғу ва хира қиладики, савоб йўли улардан яширин қолади. Фоҳиша хотинларнинг жабри Муҳаммадалихон мода буйруғи билан Хўқанд мулкида ҳаддан ошгач ва Муҳаммадалихон моданинг амирлар ва кўшин аҳволига нисбатан бепарволиги ошқора равишда энг чўққисига чиққач, ҳамма ундан қўл ювди. **Мисраъ:**

Ҳамон беҳ ки лашкар ба жон парвари,

Ки султон ба лашкар кунад сарвари.

[Лашкарни жон билан парвариш этсанг яхши,

Чунки, султон лашкар воситасида ҳукм суради].

Алқисса, Муҳаммадалихон мода ишнинг чаппасига кетаётганини сезиб, Ём қалъаси ҳукуматини биродарим Исҳоқ *девонбеги* қўлига топширди. Ўша кезларда амир Насруллоҳнинг катта кўшин билан кўзлар нури Султон Маҳмудхонни жанг илғори қилиб, Ўратепа вилоятига юзлангани хабари келди. Бу хабарни эшитган Муҳаммадалихон мода ўй ғарқобига чўмди ва қандай чора топишини билмай, лолу ҳайрон бўлиб қолди.

Муҳаммадалихон моданинг Хўжанд томонга лашкар тортгани ва бу ношукр нобакорнинг у ердан қочиб, Хўқандга келганча уй бандиси бўлиб ўтиргани зикри

Қиссадан ҳисса шуки, Муҳаммадалихон мазкур хабардан огоҳ бўлгач, барча Фарғона лашкарини йиғиб, у ҳам Ўратепа томонга лашкар тортди. Лашкар *қўшибеги*, Муҳаммадшариф *парвоначи*, Баҳодир *парвоначи*, Гадейбой *парвоначи* ва яна бошқа *сардор*ларни кўшин илғори сифатида юбориб, ўзи Хўқанд лашкари билан йўл юрганча Хўжанд вилоятига кириб борди. Саркардалар эса Ўратепа қалъасига тушишди. Эртаси куни, амир Насруллоҳ Ём қалъасини тўпга тутиб, уч кунда қалъани олибди ва ҳоким Исҳоқ *девонбегини* ушлатиб, шаҳодат даражасига етказибди, шунингдек, Зомин қалъасини ҳам ўз тасарруфи доирасига киритибди, деган хабар келди. Муҳаммадалихон мода бу хабарни эшитиб, сал кўзи очилгандек бўлди: ўзи билан икки аравада ҳусну жамолда қуёш билан тенглик даъвосини қилувчи хўқандлик гўзал сарвқад ва қора кўз жононаларни олиб келган эди, дарҳол ўшаларга орқага қайиш учун ижозат берди. Ўтириш ва юришларда доимо ўзи билан олиб юрадиган икки арава каптари бу ҳарб сафари пайти ҳам ёнида эди, уларни ҳам қайтариб юборди. Ўзи эса Хўжанд довоида дам оладиган бўлди. Ўратепадаги саркардаларга Бухоро лашкари етиб келгани ҳақидаги хабар етишди. Улар ҳам Фарғона лашкари билан ўша томонга

юришди. Жомак дарёси мавзесида икки лашкар денгизи бир-бири билан тўқнаш келгач, уруш ва жанг сари киришдилар. Чунонам азим жанг бўлдики, илгари замон жангчиларининг уруши китоблардан ўчди. Наби *алайҳиссалом* шариати Фарғона лашкари ишини тугатиб бўлгани сабабли улар қанча саъй-ҳаракат қилмасинлар, натижа чиқмади. Уларнинг толеъ юлдузи куйи эниб, зафар кавкаби Бухоро лашкари томонидан балқиб чиқди. Анча уруш ва жангдан сўнг Фарғона лашкари қараса, уринишлар фойда берадиган эмас. Ноилож, тақдирга тан берганча қочмоқни ихтиёр этдилар ва ўта тарқоқ, эзилиб-янчилган ҳолатда тун ярмидан ўтган маҳал Муҳаммадалихон мода олдиға тўп-тўп бўлишиб, бош очик, оёқ яланг, кўписи ярадор ва отини йўқотган кўйи етиб кела бошлашди. Бу ҳолни кўриб, Муҳаммадалихон моданинг кеккайган бошидан ақлу ҳуши минг газ юксаклик сари учиб кетди. Тубан ва бузғунчи оламда бунақа ишлар ҳам борлигини англади. Надомат бармоғини пушаймонлик тиши билан қаттиқ тишлади, афсуслик қўлларини бир-бирига ишқай бошлади. Телба итдек ҳар томонга чопар, аммо, бу муомалаға қандай чора топишни ҳеч била олмасди. Ноилож, ўтирган мавзесидан кўзғалиб, Тошқўрғон мавзесига қўш ташлади. У ерда ҳам тура омай, яна Хўжанд қалъаси ичига кирди. Надимлари орқали лашкарларига орқаға чекинмасликни буюрса-да, уруш майдонига тушишларини ўтиниб ёлворса-да, натижа чиқмади. Барчаси Хўқанд сари юзландилар, ҳатто, ёнидаги надимлари ҳам улар кетича аста-секин Хўқандға кета бошладилар. Муҳаммадалихон мода гап нимада эканини сезиб, у ҳам қочишға тутинди. Аммо, ўша аснода Жиззах ҳокими Остонақул *тўқсоба* амир Насруллоҳ томонидан элчи бўлиб келиб: – Ўратепа вилояти осонлик билан фатҳ этилди ва амиримиз Нав ҳукуматини Султон Маҳмудхонға топширдилар, амир лашкарингиз Муҳаммадшариф *парвоначи*, Ўратепа ҳокими Каримқули *додхоҳ* ва Маҳмудхожа *судур* асир тушдилар. Амиримизнинг айтиб юборган муддаоси «Хўжанд, Қурама ва Тошканд вилоятлари, умуман, Дашти Қипчоқни бутунлай бизға берасиз, бўлмаса, ўзингиз биласиз» деган гаплардан иборат бўлди. Бунга жавобингиз қандай бўлади?– деган гапларни етказди. Шунда Муҳаммадалихон мода ҳеч бир тасвираб бўлмайдиган бир ҳолатға тушди. Қанийди, шу чоғда олдида ўқ теккан тўнғиз бўлса-ю, дуч келган ерига ўқ отиб, аламидан чиқса. Элчи яна бир марта «мен амир Насруллоҳға нима деб айтай» деди. Муҳаммадалихон мода шундан сўнг бир сесканиб «Хўжанд вилоятини амир Насруллоҳға бердим. Ўғлимни ҳам катта мол-мулк ўлпони билан ҳузурига юбораман» деди ва Хўжанд шаҳрини бўшатиб, элчига топшираркан дарвоза калитларини ҳам унинг қўлига тутқазди. Ўзи эса жуда эзилган ва паришон ҳолда орқасига қарамай қочишға тушиб, бадар кетди. Фарзанди Муҳаммадаминхонни Маҳмуд *дастурхончи* ва Мирзо Аюб билан бирға амир Насруллоҳ ҳузурига жўнатди. Ўзи шу қочган кўйи шошилини тарзда йўл босиб, Хўқанд сари юзланди. Бир неча масофа йўл босгач, аянчли бир ҳолатда шаҳарға кириб борди ва халқ олдида шарманда бўлганча, саройға қамалиб ўтирди. Беш-олти кундан сўнг унинг изидан ўғли ҳам Бухоро элчиси билан бирға қайтиб келиб, отасига: – Амир Насруллоҳ «агар Муҳаммадалихон бизни чиқиб кўрса, вилоятини ўзига бахшида қиламиз, йўқса, урушиш учун тайёрлигини кўраверсин» демокда, – деди. Муҳаммадалихон мода элчини *дастурхончининг* уйига туширди. Сўнг амирлари билан маслаҳат қурди. Менинг Ҳожи Қаландар исмли бир мисгар хизматкорим бўлиб, уни ўзимдан илгари Шоми шарифдан рухсат бериб, юртға жўнатган эдим. У мисгарлик илмида тенги йўқ беназир киши эди. Ана ўша мисгар ўша пайтда ҳеч ўйланиб-нетиб ўтирмай Муҳаммадалихон мода олдиға кириб «агар бир кунлик ҳукмдорлигингизни менға берсангиз, манғит лашкарини ҳеч сўзсиз бошингиздан аритаман» деди. Бу чоғда ақлу ҳуши бошидан учиб ўтирган Муҳаммадалихон мода дарҳол рози бўлди ва «сенға бердим» деди. Мисгар ул аблаҳнинг олдидан қайтиб чиққач «миримиз ўзининг бир кунлик ҳукмронлигини менға бердилар, энди халқ йиғилсин, улар билан маслаҳатлашиб иш тутаман» деб жар чақиртирди. Бу даъват шаҳарнинг барча чеккасиға етишгач, ҳеч бир ҳайит ёки Наврўз байрамида кузатилмаган микдорда туманот одам йиғилиб келдики, улар сонини санаб адоғига етиб бўлмасди. Чунки халқ худодан айнан шундай кунлар келишини ёлвориб, аммо, унга етиша олмай юрарди.

Алқисса, Муҳаммадалихон мода давлатида надимлар фуқаро устидан қандай ҳукм чиқарсалар, барчаси гап-сўзсиз бажарилиб, уларға бирон кишининг қарши чиқишиға ҳадди сиғмасди. Мана энди халқ қулай фурсат етганда, ётиб қолгунча отиб қол, дея бир соат ичида хужум қилиб, ўн саккиз нафар надимнинг уйини талашганча мол-мулкини шип-шийдон қилиб кетишди. Муҳаммадалихон модани амир Насруллоҳ олдиға боришға ундаб юрган Маҳмуд *дастурхончининг* уйини ҳам талон-торож қилиб, ўзини ўлдириб ташлашди. Анави оламини куйдириб юрган иккита фоҳишанинг ҳам бор-будини олиб, бирпасда шундай бехонумон қилишдики, уйда бир ғишт синиғи ҳам қолдиришмади. Лекин, ул бебокларнинг ўзини қанча излаб-қидиришмасин, бирор аломат топа олмадилар. Бухоро элчисининг ҳам нарсаларини тортиб олишди. Муҳаммадалихон моданинг хотини бўлмиш ўғай онасини неча бир шармандалик билан саройдан судраб чиқариб, отасининг уйига ҳайдашди. Ишнинг бундай кескин тус олганини кўрган надимлар Муҳаммадалихон модаға бўлиб ўтган воқаларнинг

хаммасини ётиғи билан сўзлаб бердилар ва «оломон балоси рўй берди, бирон бало қилиб, бу оловни ўчирмасангиз, бутун оламини талашади» дея ўтиниб-ёлвордилар. Муҳаммадалихон мода бу кўзғолонни бостиришни улуғ амирлари зиммасига юклади. Улар бориб, неча бир қийинчилик билан халққа илтижо қилиб, фуқарони бу ишдан тўхтатишга эришдилар. Бизнинг хожи бечорани эса кишанга солдилар. Халқ барибир Муҳаммадалихон моданинг амир Насруллоҳни кутиб олишга чиқишига йўл қўймади. Султон Маҳмудхон амирдан бир манзил олдинроқ юриб, Патир мавзесида кўш ташлади. Бу хабарни эшитган Муҳаммадалихон моданинг танига худди шамолдаги тол барглари каби қалтироқ тушди. Саросимада қолганча Сулаймонхожа *шайхулислом* ва вилоят аълами ҳамда ўзининг тоғаси бўлмиш Холибек *қўшбегини* турли-туман совға-саломлар билан амир Насруллоҳ олдига жўнатди. Улар бориб, ўртага ярашув масаласини ташлаганча сулҳ сўзи билан қайтиб келдилар. Муҳаммадалихон мода шундагина бироз қоматини ўнглагандек бўлди. Аммо, айна чоғда амир Насруллоҳнинг Хўжанд ҳукуматини Судтон Маҳмудхонга бергани ва Ўратепа бошқарувини Бердиёр *тўқсоба* ихтиёрига топшириб, ўзи Бухоро сари йўналгани ҳақидаги хабар етиб келди. Бу хабар Муҳаммадалихон мода қулоғига етишгач, қилган шодликлари бурнидан минг баробар бўлиб чиқди ва ўлими ёки тожу тахтдан айрилишини кутиб ўтирди. Бир неча кундан сўнг амирлар ўзаро маслаҳат қилиб, кейин Муҳаммадалихон модага: – Бир чорасини ўйлаб топиб, қандай бўлса ҳам Султон Маҳмудхонни ўзингиз сари оғдириб олинг, бўлмаса ўзингизни ҳалокат жарига ташлаган бўласиз. Чунки, амир Насруллоҳ жуда қудратли ҳукмдор, бу гал яна келса, аяб ўтирмайди ва давлатингизни қулатади. Сўнги пушаймонликдан ҳеч қандай фойда чиқмайди, аттанглаб қолмайлик, – дейишди. Ўйлаб қараса, кўп вақт ўтмай, амирлар ва фуқаронинг Султон Маҳмудхонни чақириб, салтанат ўриндиғига ўтқазилари ҳеч гап эмас, бунга ишончи комил. Бинобарин, Муҳаммадалихон мода бошини эгганча чор-ночор онаси Моҳлор ойимга юзланиб, илтижони ҳаддан оширганча воқеани бир-бир сўзлаб берди. Ул ақли қисқа ҳам бу малъуннинг гапини қабул қилиб, зимдан биродарим Султон Маҳмудхон гаранг олдига одам юбориб, биродаримни алдади ва кўнглини куйидаги режасига мойил қилди. Унда айтилишича, Тошканд ва бутун Дашти қипчоқ ҳамда Қурама, Хўжанд ва Ғурумсарой Султон Маҳмудхонники, қолгани Муҳаммадалихон модага тааллуқли бўлади. Ҳар иккаласи биргаликда Фарғона вилоятида ҳукмронлик қилаверишади. Бу масалада қайта-қайта одам келиб-кетди. Ниҳоят, кўзлар нури Султон Маҳмудхон бу ишга розилик бериб, маслаҳат йўсинида бўлиб ўтган воқеа тафсилотини Шаҳрисабзга менга ёзиб юборди. Қарасам, бу соддадил шохзодани роса лақиллатишган. Фақир дарҳол жавоб ёзиб, хат орқали қуйидагиларни баён қилиб: – Амирлар ва фуқаро Сизни иташади, бу тўғри. Шунинг учун улар ўртага солган маслаҳат ҳам жуда гўзал. Аммо, Хўқандни ташлаб, Тошкандга кетишнинг нима маъноси бор? Нима бало, димоғингиз қуриб қолдими, қуриган бўлса, манави мой билан хўллаб олинг, – дедим ва бир шиша бодом ёғи юбордим¹⁷⁴¹. Начора, бу пайтга келиб икки ака-ука орасида аҳду-паймон анча мустаҳкам бўлиб улгурган экан. Шундан сўнг амир Насруллоҳдан ажралиб, Тошкандга юзланган Хўқанд амирларининг ҳаммаси кўзлар нури хизматига келишди.

Албатта бу юқоридаги гапларимиз зикри китобимизнинг амир Насруллоҳ подшоҳлиги бобида ўтган эди, аммо, шунга қарамай, сўзимиз қайтариқли бўлса-да, вақти келгани сабабли баён қилдик. Маънолар мағзини чақувчи нуктадонлардан умидимиз шулким, афв карами билан бу ишимиздан нуқсон топмасалар.

Алқисса, Муҳаммадалихон мода ўлим кўрқинчи ва тахтдан айрилиш хавфидан бирмунча қутулиб, яна ўша ярамас қилиқларини давом эттира бошлади. Ўша кезларда улуғ саркардаларидан бири саналган Норкўзи *додхоҳни* ҳеч бир сабабсиз қатлга еткарди. Муҳаммадалихон модани бошида кўтариб катта қилган Саййид *қўшбегининг* уйини бир бўйраси қолдирмай мусодара қилдирди. Ўзини эса бир масжидга муаззин этиб қўйди. Отаси уйида ўтирган Хонпошшони яширинча мазкур Саййид *қўшбегининг* уйига келтириб, тағин ўша ўрганган одати бўйича айшу-ишратга машғул бўлди. Бу сир сал ўтмай шаҳар ичида миш-мишга айланди. Бу ишни ёқтирмай юрган кишилар миш-мишни эшитиб, ҳаммаси сўзни бир ерга қўйганча кўзғолон кўтардилар ва Муҳаммадалихон мода саройи олдига йиғилиб келишди. **Байт:**

Ўлди мағлуб ҳавои ақл истилои нафс,

Олди бир ҳоким алидан ихтиёр авбошлар.

Бу хабар ул ифлос қулоғига етишгач, кўрқувдан вужудини титроқ босди. Бу гал фуқаро унинг ишини бир ёқлик қилишига ишонч ҳосил қилди. Шунинг учун Тошканд ҳокимлигидан бўшатилиб,

¹⁷⁴¹ “Димоғ” аслида инсон бурнини англаиб, у “димоғдорлик” (бурни кўтарилганлик, такаббурлик) каби кўчма маъноларидан ташқари “димоғ қуриши” саломатлик заифлашиши ва ақлдан озиш сингари ҳолатни ҳам билдиради. Бу ерда шу кейинги ҳолатга киноя қилинмоқда.

Хўқандга келган Лашкар қўшбегини Гадейбой *парвоначи* билан бирга фуқаро олдиға сўзлашиш учун чиқарди ва уларға қараб «фуқаро нима деса хўб денглар» деди. Ўзи эса бошқа йўл билан шикоргоҳи бўлмиш Йар масжид мавзеси томонға қочиб қолди. Ул икки амирлик паноҳи фуқаро олдиға чиққач, йиғин сабабини сўрашди. Фуқаро: – Сабаби шу бир неча йил орасида ўз миримиздан чеккан зулмларимиздир, бунақасини ҳеч бир халқ ҳеч бир замонда ҳеч бир подшоҳдан содир бўлганини кўрмаган ва эшитмаган. Бу сўз куннинг қоқ ўртасидаги қуёшдек равшан. Яна бу зулмлар устиға-устак, Бухоро уламози уни ҳалол билиб, ўз ўғай онасига уйлангани боисидан бу мирни кофир деб эълон қилишди ва унинг касофатиға қолиб, шу масала хусусида ўзга ерларнинг тушунган халқи эса бизни ҳам кофирға чиқардилар. Бу хотин сабабли бу дунёсини ҳам, охиратини ҳам куйдирганиға қарамай уни яна ҳузуриға келтириб, олгани нима маънини билдиради. Ё бизнинг баҳримиздан ўтсин, ё бу хотиннинг, – дейишди. Айтишларича ўша вақтда бир ўта нимжон кўкнори банги бор бўлиб, шу йиғинда у ҳам қатнашаётган экан. Ўша кўкнори баланд товуш билан «сизнинг Муҳаммадалихон модангиз-ку дўзахға кетиш вақти киройи оппоққина амни маза қилиб, еб, ялаб-юлқаб боради. Бу ўртада унинг касриға биз қолиб дўзахға уни бўқини еб кетаверамизми?! У еган сомсанинг пулини биз тўлаймизми, ахир?» деб қичқирибди. Унинг бу сўзиға бировлар кулишибди, айримлар эса бундай шаккок гапларни гапирмасликни уқтиришибди. Хулласи калом, икки амир қарашса, гапу жанжал ҳаддан ошиб, чегарадан чиқмоқда. Ўт билан ўйнашиб бўлмайди. Дарҳол мазкур икки *сардор* ул бечора аёлни ўша «мақто» болалари билан бирга фуқаро кўзи ўнгида сургун қилиб, Марғинон вилоятиға жўнатишибди. Фарғона аҳлининг Муҳаммадалихон мода зулми пайини қирқиш мақсадида уни ўлдиришға ошиқмаганлари сабаби шунда эдики, агар уни ўлдиришса, бу салтанат хонадони билан қонли душман бўлиб қолиб, укаси ёки фарзандларидан қайси бири ҳозирги мир ўрниға тахтға чиқса, албатта бир кунмас, бир кун хунини талаб қилади, мабодо, бегона уруғдан ўзларига подшоҳ тиклашса, ҳозир индашмаса ҳам кейинчалик халқ уларни қабул қилмай қўйиши мумкин. Шунга биноан ноилож ўз ишларини ўнглашға имкон топмай хайрон ва боши қотган кўйи ҳар кун овқат ўрниға коса-коса дил қонини ютиб яшашдан ўзга чора топишмади. Ҳаммангизға маълумки, бу каби ишларда икки юзламачи фалак ҳам доимо баҳона излайди ва ўз айбини бўйниға олмай, оламни остин-устун қилади. **Рубоий:**

Ди гуфт фалак ба гўши ман пинҳони,
Коре ки Худо кунад зи ман медони.
Ин гардиши давр худ ба дастам буди,
Худро бираҳондаме зи саргардони.
[Фалак кеча қулоғимға деди яширин-пинҳон:
Худо қилган ишни мендан кўрасан, эй инсон.
Атрофимда айланишим бўлсайди қўлимда,
Юрмасдим сира бундай хайрону саргардон].

Эндиликда ҳар бир кўрар кўз аҳли бу ҳолға фикрлаш кўзи билан боқса, биладикки, ягона қаҳҳорнинг қаҳр лутфи сабабсиз ҳаракатға келиб, бениёзлик шамоли эсишға кирса, бир дамда оламни тубанлик тупроғиға ташлайди, қачон иссиқ насим ва илоҳий неъмат «Аллоҳ ибодатда латифдир» каримаси тақозосича жон гулистонида эсса жаҳон халқининг омонлик ғунчаси очилади.

Муҳаммадалихон моданинг ўлгани ва Султон Маҳмудхон ва дунёни кўриб улгурмаган Муҳаммадаминхоннинг зангори чарх зулмидан шаҳидлик топгани зикри

Гапнинг қисқаси, 1257/1841-42 йили Хўқандға амир Насруллоҳнинг сон-саноксиз аскарли катта қўшин билан Фарғона мамлакатлари сари юзлангани хабари келди. Муҳаммадалихон мода бу хабарни эшитгач, ўй ва фикр денгизига ғарқ бўлди. Ниҳоят, Фарғона ўлкасининг бутун қўшинини йиғиб, тоғаси Холибек қўшбеги, Гадейбой *парвоначи* ва Баҳодир *додхоҳ* сингари *сардор*ларини Хўжанд вилоятиға юборди. Улар бир қанча йўлларни ортда қолдириб, Хўжанд вилоятиға кириб бордилар ва уруш бошланишини кутиб ўтирдилар. Ўша аснода амир Насруллоҳнинг сонсиз қўшин билан келгани борасида хабар етишди. Хўқанднинг барча аскарлари Хўжанддан бир фарсах наридаги Тангий мавзесиға келдилар ва у томондан ҳам амир Насруллоҳ етиб келди. Сўнг икки лашкар денгизи бир-бириға қарши саф тортиб, жанг майдониға кирдилар. Ўлдир-ўлдирнинг бозори чунонам қизидики, уруш майдони икки томон ботирлари қонидан лозазорға айланди. Анча уруш ва жангдан сўнг зафар насими Бухоро лашкари байроғи сари эса киришди, Фарғона қўшини эса енгилла бошлади. Ниҳоят, фарғоналиклар қочишға тушиб, кўпчилиги ўзини дарёға ташлаганча балиқларға ем бўлдилар, айримлари ўлдирилиб, қолган-қутганларини бухороликлар асир тушириб, ўзлари билан бирга шаҳарға олиб кирдилар. Хўжанд вилояти осонликча фатҳ қилинди. Асир олинганлар ичида

Холибек *қўшбеги*, Гадойбой *парвоначи*, Мулло Йўлдош, Ибни Яминбий кабилар бор эди. Холибек *қўшбеги* ва Ибни Яминбий қатл этилдилар. Қолганлари қамоқда сақланди. Ўша вақтда Муҳаммадалихон мода ғайб пардаси ортидан қандай ҳодиса бу тубан ва бузуқи оламда рўй берар экан, дея кутиб ўтирганди. Шу пайтда, жангда енгилиб қочганлар ҳам тўп-тўп, гуруҳ-гуруҳ бош очик, оёқ яланг ҳолда эгар-жабдуқсиз отларга минганча кела бошлашди. Кўплари ярадор ҳолатда неча бир хорлик-зорлик билан Муҳаммадалихон мода олдиға келиб, бўлиб ўтган воқеани сўзлаб беришди. Ўз саркарда ва жангчиларини бундай ачинарли аҳволда кўрган ва сўзларини бу янглиғ эшитган Муҳаммадалихон моданинг ақлу ҳуши такаббуруна бошидан учиб кетди. Ҳайрат бармоғини тишлаганча, телба ит каби ҳар ёнга югурди ва дуч келган одамдан ўз иши чорасини излади. Бутун қимматли умрини қиморбоз ва каптарбоз кишилар билан зое ўтказган ҳамда бутун Фарғона аҳолиси эътиқодига путур етказган бу малъундан бутунлай ихлоси қайтган халқ Муҳаммадалихон модаға қарши кўзгалди. Сафосизлик аломатини ўз пешоналарида намоён этмай, чор-ночор ул малъуннинг динсизлик кўлидан аччиқ жомни сипқоришға мажбур бўлган, аммо, бир умр дилларида кин-адоват уруғини сақлаб келаётган амирлар ва сипоҳилар ҳам айнан шундай фурсатни кутиб юришган эди. Улар ҳам туғён эшикларини очдилар ва берган инъомлари ҳаққини унутиб, Муҳаммадалихон моданинг тириклигидан ўлигини афзал билганча ўз ишлари пайдан бўлдилар.

Хулласи калом, Муҳаммадалихон мода қараса, бу исён оловини ҳеч қандай йўл билан ўчириш имкони йўқ, иш қўлдан кетган. Ночор, кетма-кет кўзлар нури Султон Маҳмудхон ҳузуриға одам юбориб, тожу тахтни таклиф қилди. Кўлида бор бойлигини биродарим Султон Маҳмудхон олдиға жўнатди. Шу йўл билан ул янги ўргатилган юксак учувчи лочиннинг секин-аста ипини бўш қўйиб, ўзига ром этмоқчи бўлди. Гапнинг қисқаси шуки, кўзлар нури Султон Маҳмудхон Шаҳрисабзда пайти кенагас мирларининг миннатли нафақалари жонига теккан бўлиб, жуда қийналиб ҳаёт кечирарди. Бир куни фақирнинг маслаҳатига кўра, Муҳаммадалихон модаға ўз эҳтиёжларини изҳор этиб, бир хат ёзиб юборди. Истагимиз, балки ака-укалик орияти жунбушға келиб ва иймон вожибларидан бўлган мурувват-эҳсон сингари савобли ишни амалға ошириб, ёрдам қўлини чўзар, деган фикр эди. Лекин, хон иймонининг аллақачон Хонпошшо ёди билан кетганини билмасдик. Ул хат бу бераҳмға етишгач, туркий тилда «садқаи пул бў(л)син» дебди. Бу хабарни кўзлар нури Султон Маҳмудхон эшитгач, ул дашт девидан минг бор қўл ювиб, ўз иши тадорики билан бўлди. Мана энди вазият тор келиб, молу жонини ҳам аямаётган эди. Аммо, бундан иш битмаса ва натижа чиқмаса, нима фойда. Амирлар ва фуқаро ҳам кетма-кет одам юбориб, Хўқанд подшоҳлигини ўз зиммасига олишини сўрардилар. Султон Маҳмудхон қараса, ўзини Хўқанд вилоятиға етказмаса, ўз ҳолиға ташланган юрт қўлдан чиқади. Иш қўлдан чиққанини билишиға қарамай, ноилож, чор-ночор ўз лашкари билан неча бир дарду ҳасратда Хўқанд сари юзланди. Ўша чоғда Муҳаммадалихон модаға амир Насруллоҳнинг Бешариқ мавзесига кириб келгани хабари эшитилди. Аянчли бир аҳволда чорасизликдан ўғли Муҳаммадаминхонни Лашкар *қўшбеги* билан анча ваъдалар берганча амир Насруллоҳ олдиға пешвоз чиқиш учун юборди. Унинг хаёлида, балки, бу гал ҳам аввалгидек ярашув битими ўртаға тушар, деган умид бор эди. Ўша кезде Султон Маҳмудхоннинг катта лашкар билан келаётгани хабари эшитилди. Хўқанд умаро ва фуқаросининг ҳаммаси пешвоз чиқишиб, неча бир шон-шавкат билан шаҳарға киритдилар. Ака-укалар бир-бирини бағриға босиб кўришдилар. Муҳаммадалихон мода тахтдан тушганини маълум қилиб, кўзлар нури Султон Маҳмудхонни салтанат ўриндиғига ўтказди. Биродарим, жаҳонбонлик тахтиға ўтиргач, халқни тинчлантириш умидида хосу авом сари саховат қўлини очди. Аммо, афсуски, вақт бой берилган эди ва бир нечта инъому эҳсон билан баъзилар бошини силаш воситасида иш битмасди. Шунингдек, қазову қадар ҳам ёқадан ушлаб келган ва буларнинг умри ва давлатининг қадаҳи лиммо-лим тўлган экан, бу ишнинг тадорикида қанчалик уринмасинлар, тескари натижа бераверди. Ўша вақтда амир Насруллоҳнинг шаҳарға ярим фарсах яқин Арзанг тепа мавзесига қўш ташлагани маълум бўлди. Амир шу туниси лашкарини урушға тайёрлади ва эртасига тонг ёришгач шаҳар сари юзланди. Бу хабарни эшитган ака-укалар ширин жонларидан бутун умидини узиб, ноилож жангға тайёр ҳолда кўча тўсиқлари ўрнатдилар ва тўпу тўфанг отишға киришдилар. Савр ойининг бешинчиси ва раби ус-соний ойинининг бошида чоршанба куни¹⁷⁴² тонг маҳал турк лашкари бир ҳамладаёқ шаҳарға бостириб кирдилар ва қўлларини қатлу талаш сари чўздилар.

Чунончи мавлоно Ҳозик бир **тарих** айтдилар, **назм**:

Ба Бухорост нисбати Хўқанд,

¹⁷⁴² Савр ойининг бешинчиси ва раби ус-соний ойинининг бошида чоршанба куни – 1842 йили савр ойи 21 апрелға тўғри келса, раби ус-соний ойи 12 майда кирган. Чоршанба куни раби ус-сонийнинг бошида 11 ва 17 майға тўғри келади. Муаллиф санада адашаётганға ўхшайди.

Пеши Жайхун чу нест Сайхун.
Бикашад гар инон ба ҳарами виқор,
Хуни сайхуниён шавад Жайхун.
Ҳотифе гуфт баҳри таърихаш:
«Фатҳ шуд қалъаҳои муфсиди дун»¹⁷⁴³.
[Хўқанд Бухоро олдида худди Сайхуннинг
Жайхун ёнида жуда кичик бўлгани мисол.
Виқор уйи сари жиловин бурса агар у,
Сайхунликлар қони Жайхун бўлиб оқади.
Ҳотафдин бир овоз келиб таърих айтди:
«Тубан бузуқининг қалъалари фатҳ бўлди»].

Алқисса, ака-ука вазиятни кўргач, тахту тождан кўнгил узиб, неча бир дарду ҳасратда биттаси боғдан ва яна бири роғ, яъни, дала-дашт бўйлаб қочишни ихтёр этишди. Муҳаммадалихон мода неча бир бағир қони билан йиллар давомида бутун мамлакати бўйлаб йиғган хазина эса бир лаҳзада бариси сарбозлар қўлига тушиб, яғмога учради. Ҳаё пардаси ортидаги қуёшни ўзига номаҳрам деб билувчи ҳарам аёлларини ўзбек сарбозлари сочларидан судраганча бош очик, оёқ яланг ҳолда отлар сағрисига ўтказиб, неча бир хору зорлик билан кўча ва бозорларда сазойи қилганча айлантириб юрдилар.

Алқисса, айтишларича, Муҳаммадалихон мода шошилинич равишда йўл босиб, бир кун ичида йигирма фарсах йўл юрганча Андижон вилоятида ўтиб, Бўтақора мавзесига етиб олибди ва манғит сарбозлари балосидан қутулибди. Аммо, номуборак хотирига суюкли хотини бўлмиш ўғай онаси Хонпошшонинг Марғинонда қолгани келиб, бошидан тутун чиқиб кетибди. Ўша жойдан Хонпошшони қўлга киритиш мақсадида ўша ярим тунда Марғинон тарафга қайтибди. Эртаси тонгда Марғинон ташқарисида ўзининг икки маҳрами билан Кўҳна работга тушибди. **Мисраъ:** Нафс дар шаҳар овард хуки биёбонгардро (Нафс биёбонда юргувчи тўнғизни шаҳарга олиб келди); Гапнинг қисқаси, маҳрамини Хонпошшо олдига юборибди ва воқеадан хабардор қилибди. Хонпошшонинг жавобини юқорида зикр этган эдик. Алқисса, ул аблаҳ бу ақли калта, иймони суест бўлмиш хотин зотига хос бир нарсанинг ваъдага хилоф иш тутмоқ ва аҳдини бузмоқ кабилардан иборатлигини билмасди. Хотинларнинг вужуд хамиртуруши бевафолик сув-лойидан ташки топган. Ҳеч ким расволик ва ёмонлик хумори дардисарига гирифторм бўлмагунча улар муҳаббатининг соф қадахидан бир култум татий олган эмас. Улар ваъдаси гулининг иси сийнани тешувчи хилоф ва тикан билан қоришиқдир. Ким аёллар макри борасидаги мақолни эшитган ва уларнинг меҳрсизлиги хусусидаги китобларни варақлаган бўлса, аёлларнинг шўъласиз ваъдаларига дил боғламаслиги лозим, чунки, ҳеч қачон улар табиати насимидан вафо ғунчалари очилган эмас. Гапнинг қисқаси шуки, Маҳмудхожа кўрнамак ёнидаги манғит сарбозлари билан бирга Муҳаммадалихон моданинг келганидан хабар топиб, дарҳол бориб, ушлаб олибди ва неча бир хорлик-зорлик билан амир Насруллоҳ олдига келтириб, кишанга солибди.

Кўзларнинг нури Султон Маҳмудхонни Шаҳрихон халқининг кўрнамак ҳаромилари ўша бекинган шаҳрида қўлга тушириб, бошига не бир кулфатлар солиб, амир Насруллоҳ олдига келтиришибди ва қўл-оёғига кишан уришибди.

Алқисса, бу ҳолни кўрган халойиқнинг оддийси ва улуғлари вужудидан аламли доду фарёд нидолари отилиб чиқиб, кўзларидан ҳасрат ёшини оқиздилар. Каттаву кичик афсус-надомат қўлларини бир-бирига уриб, ҳасрат бармоғини тишладилар. Ҳайҳот овозлари саҳро гиёҳи баргларидан осмонга етди ва афсус товушлари эркагу хотин тилидан Султон Маҳмудхон учун нилгун гунбазни чўлғади. Ул жаҳон кўрмаган шоҳзоданинг саломатлигини яратган Холиқ даргоҳидан тиладилар. Оқибат душман ғалабаси насими эса киришди, буларнинг эса ҳаёти сипоҳи нобуду барбод, ҳаётининг мол-мулки хазинаси ганжиналари ажал аскарларининг ғоратига дучор бўлиб, кўчини вужуд работидан йўқлик саҳросига олиб ўтишди.

Хулласи калом, тақдир тақозоси билан ўша тунда амир Насруллоҳ фармони билан Муҳаммадалихон моданинг кибру ҳавога тўла мағрур боши ифлос танасидан жудо бўлди. Султон Маҳмудхонни ҳам ўша кечаси шаҳидлик даражасига етказдилар. Амир Насруллоҳ истиқболига чиққан Муҳаммадаминхонга ҳам шаҳидлик шарбатини ичирдилар. Эртаси куни бу даҳшатли хабар бутун шаҳар бўйлаб тарқалди ва мамлакатнинг барча аёнлари бу жонни куйдирувчи воқеани эшитиб, хайрат ва андух бодасидан мадхуш бўлиб, кўрқувдан лабларини қимирлатишга куч топмадилар. Ҳа, дунё деб атайдиганлари бу эр ўлдирувчи кампир ўзини келинчаклар либосида халққа кўрсатади.

¹⁷⁴³ Таърихнинг санаси 1258/1842-43 дир.

Нопойдор тийнат ва беъэтибор зийнат билан мағрур ақлсизлар дилини ўзининг меҳнат ва азоб домига ташлайди. Ифбатлик паноҳи шоҳлар онаси Моҳлар ойимнинг ҳам ўша икки бадбахт зоти паст фоҳишалар билан бирга неча бир хору зорликда томоғига ўлим шарбатини қуйишди. Чунончи демишлар, **байт:**

Очилан гуллармидур ер узра ҳар фасли баҳор,
Ё фано мулкида хок ўлган парирўйлармидур.

Гапнинг қисқаси шуким, бу воқеалар рўй бериши натижасида давлат Мингия хонадонидан узилиб, Манғит сари юзланди. Бу воқеа юқорида зикр этилганига қарамасдан такрор бўлса-да, гапни шу ерида узишни хоҳламадим. Нуктадон сўзамоллар хотирига сал малол келса ҳам гўстохлик юзасидан бир неча сатр ёздим. Карам айлаб, кечирсалар, деган умиддаман.

Алқисса, амир Насруллоҳ Фарғона мамлакатини тўлалигича ўзининг тасарруф доирасига киритгач, ўн уч кун мобайнида Хўқанд вилоятида ҳукмдорлик тахтида ўтирди. Шундан сўнг ул мамлакат ҳукуматини, билмасдан, Иброҳим *парвоначи* манғитга топшириб, ўзи Бухоро томонга қайтиб кетди. Иброҳимбий *парвоначи* бир банги киши бўлиб, ўша одам амирлик ўриндиғига ўтирди ва икки ой ҳукмронлик қилди.

Шералихоннинг дор ас-салтана Хўқандни, балки, ҳазрат Худои таоло лутфи билан бутун Фарғона мамлакатларини эгаллагани зикри

Амир Олимхон 1216/1801-02 йили Ҳожибийни шаҳидлик даражасига етказганда Каттабек ва Шералибек иккаласи ҳам ёшлик оламида бўлиб, қочишни ихтиёр этишди ва Қуҳистонга бориб, турғун яшаб қолишди. Каттабек ўша ерда фано уйдан абадийлик саройига кўчиб ўтди. Шералихон ибн Ҳожибий ибн Абдурахмонбек ибн Абдурахимбий ибн Шаҳрухбий ибн Чамашбий қирғиз жамоаси орасида қирқ беш йил умр ўткарди. Ўша пайтга келиб, Фарғона вилоятида рўй берган бу охирги тўс-тўполон ва бузуқчилик воқеаси Шералихон қулоғига етишгач, манқалдаги исириқ каби куя бошлади ва улус улуғлари билан машварат қилди. Улар ҳам шерикчилик қилиб, қирғиз ва қорақалпоқ ва қозоқ жамоасидан сон-саноксиз кўшин тўплаб, аниқроғи, яъжуж-маъжуж жамоасидан чумоли-ю, чигиртка сонидан ҳам кўп қиёмат аломатли лашкарни бир ерга йиғиб, Чингизхонга ўхшаб ўз масканидан ҳаракатга келганча бир неча тоғу саҳроларни босиб, қанчалаб дарёларни кечиб, қалин ўрмонларни оралаб йўл босиб, Намангон вилоятига етиб келдилар. У ердан кўчиб, Сир бўйи худудига қарашли барча ерларни қўлга киритишди. Бу ерлар Тўрақўрғон, Косон ва Ахси, Чуст, Гурумсарой вилоятларидан иборат бўлиб, Шералихон у ердан катта дабдаба ва шон-шавкат билан Сайхун дарёсидан кечиб ўтди ва Султон Боязид Бастомий номини олган мавзегга кириб келди. У ердан эса неча бир ҳашамат ва тажаммул билан пойтахт Хўқандга юзланди. Бу хабарни Иброҳим *парвоначи* манғит эшитгач, шу заҳоти қочишга қарор қилди. Хўқанд амирлари ва фуқаро эса истиқболига пешвоз чиқиб, Шералихонни подшоҳлик шавкати билан шаҳарга киритдилар ва ота-бобоси тахтига миндирдилар.

Шералихоннинг пойтахт Хўқандда салтанат тахтига ўтиргани зикри

Шералихон жаҳонбонлик тахтига суянгач ва давлат қайтадан Минг сулоласи кўлида қарор топгач, Фарғонанинг бутун мамлакатларини ўз тасарруфига киритди ва ўзининг адолати зевари билан мулкка оро берди ва барча халқлар боши узра саховат қанотини ёйди. Юртни бухоролик босқинчилар қолдиғидан тозалаб, уч мингга яқин манғит аскар ва ноибини асир олди, кўпчилиги эса ўша ушлаш жараёнида ўлдирилди. Қайси вилоятда манғит қўшинидан одам қўйилган бўлса, ўша вилоят ва шаҳар халқининг ўзи улар ишини бир ёқлик қилиб, тутган жойида қатлга еткардилар. Шулардан биттаси Маҳмудхожа кўрнамак бўлиб, одамлар уни тилка-тилка қилиб ташлашди. Шундан сўнг бутун Фарғона мамлактларига фармон юбориб, Хўқанд шаҳри қалъасини жуда мустаҳкам ва баланд қилиб қуришда иштирок этишларини буюрди. Халқ бу топшириқни эшитган заҳоти мамлакатдаги хосу авомнинг бариси йиғилиб, Хўқанд сари оқиб кела бошлашди ва ҳаммаси бир тан, бир жон бўлишиб, ўн беш кун ичидаёқ кунгураси фалак саройи билан бўйлашадиган баланд ва мустаҳкам қалъани барпо қилдилар. Ўша кезларда амир Насруллоҳнинг Ўратепа шаҳрига киргани хабари келди. Эртаси куни келган хабардан эса Муҳаммадшариф *парвоначи* ва Гадойбой *парвоначининг* Тошканд лашкари билан Сайхун дарёси қирғоғига етиб келгани маълум бўлди. Шералихон бу хабарларни эшитгач, ўйланиб қолди ва анча фикр қилгач, Муҳаммадназарбек ибн Ирисқулибек ва Исо *додхоҳни* катта кўшин билан Чуст ва Гурумсарой томон жўнатди. Азиз фарзанди

Абдурахмонбекка Хўқанд кўшини билан Конибодомга боришни буюрди. Улар Конибодомга етишгач, манғит лашкари *сардор*лари бундан хабар топиб, ҳаммаси иттифоқликда Конибодом томон юриб, иккала лашкар денгизи тўлқиндек бир-бирининг устига ташлана кетдилар. Анча уруш ва жанглардан сўнг зафар шамоли Фарғона лашкари тарафидан эди ва манғит лашкари қочишга тутинди. Ўша аснода минг жамоасидан ташкил топган Ургут кўшини етиб келиб, улар орасига тушди ва манғитлар ёнини олиб, натижада, манғит кўшини ўзининг асир тушган одамларини қутқаришга эришди. Хўқандликлар бу ҳолни кўриб, бу **байт**ни ўқидилар:

Ҳар ки аз дасти дигаре нолад,
Саъди аз дасти хештан фарёд.
[Одамлар ўзгалар дастидан чекса нола,
Саъдий ўз дастидан топа олмагай чора].

Фарғона аскарлари Хўқанд тарафга қайтиб кетгач, ўшанда, Муҳаммадназарбек ва Исо *додхоҳ* катта кўшин билан Сайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Гурумсарой вилоятига кириб келишди. Эртаси куни икки қасоскор лашкар Ўш даштида тўқнаш келиб, бир-бирига ёпиша кетишди. Анча уруш ва жанглардан сўнг ғалаба насими Муҳаммадшариф ва Гадейбой тарафидан эса бошлади, Муҳаммадназарбек в Исо *додхоҳ* қочиш сари юзландилар. Муҳаммадшариф ва Гадейбой уларни қувлаб, бутун Сир бўйи вилоятларини қўлга киритишди. Муҳаммадшарифнинг ўғли Тўрақўрғон қалъасини ўз тасарруфига олди. Муҳаммадназарбек ўн нафар кишиси билан отини тез қамчилаганча бало қаъридан не бир азобларда қутулиб чиқиб, Қухистон томонга кетди. Муҳаммадшариф *парвоначи* ва Гадей бой *парвоначи* эса гердайганча Сир дарёсидан кечиб ўтиб, амир Насруллоҳга бориб кўшилдилар.

Хулласи калом, Муҳаммадназарбек Қухистон томонга қочиб боргач, у ернинг барча қирғиз аҳолисини йиғиб, Тўрақўрғон сари юзланди. Бир кеча ва кундуздан сўнг тун ярмидан оғган маҳал Тўрақўрғон қалъасини бир ҳамла билан қўлга киритди ва Муҳаммадшариф *парвоначининг* ўғлини ушлаб, Шералихон ҳузурига жўнатди. Ўзи эса эртаси куни отланиб, қайтадан Сир бўйи ерларини қўлга киритишга эришди. Бу қувонч аломатли хушxabарни эшитган Шералихон ўзида йўқ хурсанд бўлди. Ўша аснода амир Насруллоҳнинг Конибодомга келиб тушгани хабари тарқалди. Амир Насруллоҳ одамлари бу қалъага нисбатан зулм ва ситам ишини ҳеч бир подшоҳ замонасида бўлмаган даражада амалга оширдилар. Жумладан, уч юз нафар фарғоналик аскарнинг бошини кесдилар. **Мисраъ:** Сар буридан пеши ин жаллод чун гул чидан аст (Бу жаллод учун бош кесиш гул терган каби гап); Бу даҳшатли хабар Шералихон қулоғига етишгач, камоқда турган манғитлардан жуда кўпини қатлга еткарди. Икки кундан кейин амир Насруллоҳ ҳозирда Муйи мубрак деб аталувчи Қоратепа мавзесига кириб келди. Ўша куниси амир Насруллоҳ билан Шералихон лашкари ўртасида шиддатли жанг рўй бериб, икки томон жангчилари мурдасидан тепаликлар ҳосил бўлди. Ниҳоят, Фарғона аскарлари ғолиб келиб, душман сарбозларидан кўпини чошиб ва отиб ўлдирдилар. Ундан кейин амир Умархоннинг «Шоҳ чаман» номи билан танилган чорбоғи тарафида ҳам азим бир муҳориба рўй берди. У ерда ҳам Хўқанд халқининг сипоҳилари ғалаба қилдилар. Яна бир неча кундан кейин Хўқанднинг шарқий томонидаги фақирнинг мулки бўлмиш Тўқай тепа номли қишлоғида ҳам манғит ва минг кўшини ўртасида ҳеч бир подшоҳ замонида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган шиддатли султонлик уруши бўлди. Кўчаларда қасоскор баҳодирларнинг қони ариқ бўлиб оқди. Манғит лашкаридаги сарбозу саркардаларнинг мурдаси устма-уст, қатма-қат қаланган кўйи кўчаларни тўлдириб ётарди. Анча уруш ва жанглардан сўнг толеъ юлдузи Фарғона лашкари томонидан балқиб чиқди ва манғит кўшинининг бахт юлдузи қуйига энди. Ўта саросима ичида ўз лашкаргоҳига қайтиб кетишди. Ўшанда қамал муддати қирқ кунга чўзилганди. Амир Насруллоҳ қараса, муддао ғунчаси ҳеч бир тадбир тирноғи билан очиладиган эмас. Амир Насруллоҳ у замонлар ўтиб кетгани, яъни, Муҳаммадалихон мода даврида Бухоро подшоҳининг лашкари ҳужуми у ёқда турсин, ҳатто чумолилар бирлашса ҳам Хўқандни минг бор фатҳ қилишлари мумкин бўлган вақтлар орқада қолганини ҳали англаб етмаганди. Шу тобдагина Фарғона вилоятини қилич зарби билан олмоқ инсон зоти имкониятидан ташқари иш эканига кўзи етди. Ноилож, бошини қуйи солганча, ярим тунда ул мавзедан Марғинон томонга юриб, Хазбон дашти орқали Бухоро сари юзланди. **Байт:**

Сайёд на ҳар бор шикоре бибарад,
Рўзе афтад ки палангаш бидарад.
[Овчининг ҳар гал ҳам омади чопмас,
Куни келса йўлбарс чангалидан қочмас].

Амир Насруллоҳнинг ёнидаги Хўқанд амирларининг ҳаммаси ундан ажралиб чиқиб, ватандошларига кўшилдилар. Шералихон кўнглини душман балосидан тинчитгач, давлат ва халқ арзи додини сўраш билан машғул бўлди. Ўша айёмда Қурама халқи кўзғолон кўтариб, Кировчи

қалъасини ишғол қилгани ва ул вилоят ҳукуматини Тошканд ҳокими Юнусалихожанинг ўғли Ҳошимхожага топширганлари маълум бўлди. Яна келган хабарларга қараганда, Худоёрбий валинеъматнинг ўғли Абдурахмонбек амир Насруллоҳдан юз ўгириб, Хўқанд вилоятига келибди. Шералихон ўғлига уни иззат-икром билан кутиб олиб, шаҳарга олиб киришни буюрди. Сўнг ўзи ҳам олдига чиқиб, ниҳоятда меҳрибончилик билан бағрига олди ва ул амирлик паноҳининг қадамини ўзи учун файзу баракат деб билиб, қадрдонлик кўрсатганча ҳузур-ҳаловатда яшаши учун муносиб бир уй тайин қилди ва шарафига катта зиёфатлар уюштирди. Ўша пайтда амир Насруллоҳ Хўжанд ҳукуматини Худоёрбий валинеъматнинг тўнғич ўғли Бекмуродбийнинг фарзанди Худоёрбекка бергани ва амирнинг Самарқандга бориб, Шаҳрисабз вилоятидан Баҳодирбек ибн Худоёрбий валинеъматнинг ўғли биродарим Исобекни чақиртириб олгани ва унга Ўратепа ҳукуматини топширгани хабари келди. Ундан кейин эса амир Олимхоннинг тўнғич ўғли Шаҳрисабз вилоятидан амир Насруллоҳ буйруғига биноан келиб, Хўжанд тепасида жойлашган Қухистондаги қирғизнинг уруғларидан биттаси бўлмиш Абоҳат жамоаси олдига бориб, ҳукумат юргиза бошлагани маълум бўлди.

Хўқанд амирларининг Тошканд вилоятини ҳазрат Аллоҳи таоло лутфу карами билан фатҳ этгани зикри

Шералихон давлати тараққий топишга киришгач, кичик фарзанди Абдурахмон *девоубегини* амири лашкар қилиб, у билан бирга Фарғонанинг барча қўшинини Тошканд вилояти томон юборди. Хўқанд амирлари Шералихон фармони билан унинг ҳузуридан чиққач, мақсад сари юзландилар ва Сайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Қамиш қўрғон¹⁷⁴⁴ мавзесига кириб келдилар. Эртаси куни у ердан кўзгалганча тоғ доводидан ўтиб, Қурама ерларига қадам қўйдилар. Ўша пайтда илгари замонларда катта қалъалар сирасига кирган Бўка қўрғонида Гадейбой ҳукумат юргизиб ўтирарди. Тошкандда эса Муҳаммадшариф *оталиқ* тахт тепасида эди. Ҳарб ишида маҳоратли бу икковининг суяги амир Олимхон замонасидан Хўқанднинг нону тузини еб қотган ва бу мансаблар, ва бу яхши турмушлар ўша ўлканинг давлатидан қўлга кирган самара эди. Мана энди ўз эгаларини танимай, бевафолик йўлини тутишганди. Фарғона лашкари Бўка қалъаси яқинига келгач, Гадейбой уларга қарши ўқ ва тўфанг отиб, қалъа ҳимоясига киришди. Хўқанд амирлари қарашса, ул курашчилар сардори кўрнамаклик қилиб, уятсизлик либосини эгнига ташлаган ва энди иш осонликча битадиган эмас. Ноилож, қамал ва муҳорибага машғул бўлдилар. Эртаси куни Хўқанд муборизларининг бариси бир тан, бир жон бўлиб, бир ҳамладаёқ қалъа ичига бостириб кирдилар. Шу жангда Гадейбой уч еридан қилич зарби билан яраланиб, минг азобда қочиб қутулди ва шитоб билан Тошканд томонга от солди. Ўша айёмда бу икковига ёрдам учун Абдурахмон Митан жуда кўп сонли Бухоро лашкари билан Тошкандга етиб келиб, уларга қўшилди. Фарғона лашкари Бўка қалъаси фатҳидан сўнг неча бир шону-шавкат билан Тошканд вилояти сари юриб, Оҳангарон чўлига кириб келдилар ва у ердан ҳам кўчиб, Тўйтепа қалъасини қўлга киритдилар. Эртасига у ердан отланиб, дабдаба билан ўз жувонғор ва бурунғорини ишнинг кўзини билгувчи *сардор*ларга тақсимлаб, Чингизхоний тартиб ва соҳибқироний усул билан Тошканд вилоятига юзландилар. Муҳаммадшариф *парвоначи*, Гадейбойбий ва Абдурахмонбий Митан бу хабарни эшитиб, улар ҳам ўз лашкари билан ташқари чиққанча муҳолифни кутиб турдилар. Кўп ўтмай ҳар икки лашкар денгизи юзма-юз келиб, уруш ва жанг устаси бўлган довураклар майдонининг курашчилари жонларини ор-номус йўлиги тикканча ўзларини олов денгизига ташлашди. Хўқандлик йигитлар шундай мардоналик кўрсатишдики, малаклар фалак томида «баракалла» сўзларини айтишдан тинмадилар. Анча уруш ва жангдан сўнг зафар насими Фарғона лашкар томондан эди, Тошканд аскарлари эса орқага қараб қочишга тушдилар. Гадейбойбий ва Абдурахмонбий Митан ўн кишиси билан қанча азоб-уқубат чекканча ул ҳалокат майдонидан қутулиб чиқиб, Сайхун дарёсидан кечиб ўтдилар ва Бухоро томонга кетдилар. Муҳаммадшарифни эса Тошканд қалъасида қамал қилиб, тез орада қўлга туширдилар. Шу зайл шаҳар фатҳ қилинди. Ўша тўс-тўполонда Дашти Қипчоқнинг барча шаҳар ва қишлоқлари ҳам якқалам бўлиб, Шералихон тасарруфи доирасига кирди. Амирлар Муҳаммадшарифни болалари ва укалари билан бирга Шералихон ҳузурига юбордилар ва ўзлари Тошкандда турғун бўлиб қолдилар. Бу хушxabарни эшитган Шералихон қувончдан терисига сиғмади ва бу катта ғалабани ғайбий инъомлар жумласидан санади. Муҳаммадшарифнинг қилмишидан қаттиқ ғазабланиб, қамоққа ташлади ва энг ёмон қийноқларга солдириб, азоблади. Айтишларича, темирдан махсус товук катак

¹⁷⁴⁴ Қамиш қўрғон – Сир дарёси соҳилидаги Қўқон истехкоми бўлган.

ясаб, уни шунга солиб қўйишган экан. Аммо, Хўқанд халқи Шералихондан сўраб, унинг бошига аянчли кунларни солганча, аъзойи баданини тилка-пора қилиб ўлдиришди.

Ўша вақтда Худоёрбий бу воқеани кўриб, узоқни ўйлаб амир Насруллоҳдан айрилиб, Шералихонга қўшилди. Шералихон ул амирлик паноҳи ҳақида подшоҳона ғамхўрликлар ва чексиз яхшиликлар кўрсатди. Хўжанд вилояти ҳукуматини яна унинг ўзига топширди. Бир ойдан сўнг ул амирлик паноҳини Хўжанд вилояти ҳокимлигидан бўшатиб, ул вилоятни Абдурахмон *девонбегига* берди ва ул амирлик паноҳи эса ҳукумат курсисига ўтириб, вилоят ишларини ўнглаш ва шаҳарни тузатиш ишларига киришди.

Оталиқ хоннинг шахид бўлгани зикри

Оталиқхон Беш кўприк¹⁷⁴⁵ мавзесида қирғизлар орасида амирлик ноқорасини чалиб юрган кезлари Шералихон бир неча марта насиҳат юзасидан доно элчиларни ўртага солиб, ваъда-ю аҳду паймонлар билан ундан туғилиб ўсган ота юртига қайтишни таклиф қилди. Оталиқхон Шералихон сўзига кирмай, ҳатто, бора-бора душманлик йўлини тутди. Шералихон қараса, панду насиҳати кор қиладиган эмас, ноилож, Оталиқхон устига катта кўшин юборди. Ўшанда Шералихон Оталиқхон турган мавзегга борди-келди қилинадиган йўлларни бекитиб ташлатди ва оқибат Оталиқхонга қарашли аҳоли ва аскарлар емак-ичмакдан қаттиқ қийналиб қолишди. Қараса, аҳвол чатоқ, шунда бечора тажрибасизлиги орқасида ўзича бир чора ўйлаб топди. Ҳийласи қуйидагидан иборат эди: хўқандлик сипоҳилар олдига уларга яхши таниш бир элчи чиқариб, ўзининг Шералихон ҳузурига боражагини айттирди. Аммо, шарти шуки, ҳозирча халқига етишмай турган кундалик зарурий нарсалар билан таъминлашса; Бу хушxabарни эшитган хўқандлик саркардалар юраклари севинчга тўлиб Оталиқхон кутганидан зиёда қилиб турли-туман газлама ва ҳар турдаги озиқ-овқат юборишди. Оталиқхон ўзининг хом хаёлича бу тадбирини вақтида иш берган оқилона ҳийла сифатида баҳолаб, аммо, асл нияти қандай оқибатларга олиб келишини билмай, дарҳол хўқандликлар кўшини бошига ўк ва тўфанг ёмғирини ёғдиришга тушиб, қайтадан муҳолифат созини чалди. Оталиқхон кўзлаган ният ва қилаётган бу ишидан огоҳлик топган хўқандлик саркардаларнинг бариси ҳайратдан донг қотиб, хангу-манг бўлишди ва бу бузуқлик изловчи фалакнинг имкон оламида янгидан бир ўйин кўрсата бошлаганидан афсус қилишди. Ниҳоят, бошлари қотганча бор воқеани Шералихонга бир-бир ёзиб юбордилар. Шералихон бу қўрқинч аломатли воқеадан воқиф бўлгач, ўтга тушган соч толаси каби жизғанақ бўлиб тўлғанди ва ғазаб отига минди. Қаттиқ жаҳл ва қаҳр билан Оталиқхон устига яна ҳам кўпроқ лашкар бориши ҳақида фармон берди. Хўқандлик кўшин аҳли бу сўзларни эшитиб, маъқул топган кўйи ўша томонга от солдилар. Кескин ҳаракатлар билан ул мавзени фатҳ этиб, Оталиқхоннинг қўл-оёғини боғлаганча мағрур, кеккайган ва гердайган ҳолда Хўқандга қайтиб келдилар. Мазкур мавзе жуда бир мустаҳкам қалъадан иборат бўлиб, текис бир кўприги бор эди. Агар ул кўприкни дарё устидан олсалар, пашша қанот қоқса, қанотидан айриларди. Бир милтиқли мерган ўша ерда ўтирса, агар Мовароуннахрнинг бутун кўшинлари бир бўлиб келса ҳам бу ерни эгаллашлари ақлдан узоқ ва хираддан баъид эди. Шералихон давлатининг юлдузи балқигани ва Оталиқхон бечоранинг бахт юлдузи қуйи сари эна бошлагани сабабли шундай маҳкам қалъа ва қилинган беҳуда ҳаракатлар ҳеч бир самара бермади. Алқисса, Оталиқхоннинг келгани вилоят бўйлаб ёйилди ва Шералихон бу хушxabарни эшитиб, чуқур ўйга ботди. Чунки, ул амирлик паноҳи билан қандай суратда чиқиша олишига ақли етмай қолганди. Ана шу вақтда ўзларининг уруғини мана шу ишлар учун сақлаб келган бузуқи ўтмиш амирларидан бир нечтаси Шералихон ҳузурига кириб, Оталиқхонни ўлдириш борасидаги «доно» маслаҳатларини беришди. Бу вилоят таъби ва ҳавоси шундай ўзи, ким подшоҳларга яқин надим кишига айланса, фитна ва бузуқ ишларни амалга оширишни ўз вазифаси деб билади ва бу каби номашруъ ишни ўзларига вожиб кўришади ва фахрли, кеккайишга арзирли иш ўрнида тушунадилар. Шунинг учун ўтмиш надимлари шу одатга амал қилиб, бир неча бор бу тўғрида сўзлаб, Шералихонга маъқуллашди. Шералихон чор-ночор ул уятсизлар сўзига кириб, икки бераҳм жаллодга Оталиқхонни қатл этишни буюрди. Ул бераҳм қонга ташналар шошилиш равишда от чоптириб кетишди. Ўша орада Оталиқхонни қон етаклаганча ватан умидида хўқандлик саркардалари билан бирга йўл босиб келар, аммо, ажал ёқасидан маҳкам олгани ва ер остига тортаётганидин беҳабар эди. Алқисса, Хўқанд шаҳридан тахминан тўрт фарсах наридаги Яйпан¹⁷⁴⁶ мавзесига кириб келишди. Ўша аснода икки бераҳм жаллод ногоҳоний бало сингари ул мазлум амирлик паноҳи устига келиб, 1259 йили раби ул-аввал ойи бошида (1843 йил 1 апрел бу ой

¹⁷⁴⁵ Беш кўприк –

¹⁷⁴⁶ Яйпан шаҳри – Фарғона вилоятида Ўзбекистон тумани маркази.

кирган) жумъа куниси нозанини бошини пок танидан жудо қилишиб, шаҳидлик даражасига етказишди. Ўшанда ёши қирқ бирда эди. **Маснавий:**

Кужо дид қассоб ранжи шубон,
Табарзан чи донад ғами боғбон.
Дарахте ки умре бар ояд баланд,
Тавон дар яке лаҳза аз бех канд.
Тавон марде сад куштан андар набард,
Яке зинда кун то бихонанд мард.
[Қассоб қачон чўпон чеккан ранжин кўрибди,
Болта қайдан билсин боғбон меҳнатин.
Бир умр ўсиб-унган баланд дарахтни,
Бир лаҳзада таг-туғи билан қўпориш мумкин.
Урушда бир киши юзтасин ўлдириши мумкин,
Аммо, биттасини тирилтир, дейишсин сени мард].

Сўз маъноларини чақувчи нуктадонлардан яширини қолмасинким, улуғ сулола ва эҳтиромли оила натижаси саййид Маъсумхоннинг ўғли саййидлик ва нажиблик паноҳи, икки шариф ҳарам хожиси саййид Муҳаммадҳакимхон таснифи бўлмиш бу «Мунтахабут-таворих» номли китоб 1259 йил жумоди-л-аввал ойининг йигирма саккизинчиси/1843 йил 27 июн, якшанба куни фақир ул-ҳақир қори Аминжон ёзуви билан Шаҳрисабз вилоятида ниҳоясига етди. Оқил кишилардан умид шулким, агар саҳву хато ўтган бўлса, кечирим қалами билан тўғриласалар ва Аллоҳу аълам би-с-саваб. Тамом.

Шукр ки ин нусха ба унвон расид,
Пештар аз марг ба поён расид.
[Шукр ки бу китоб ёзилиб чунон,
Ўлишимдан бурун бўлди тамом].

***Шералихоннинг ўзининг икки биродарзодасини пасткаш дунё учун шаҳидлик даражасига етказгани зикри**

Шералихон ўз кўнглини олий мартабали Оталиқхон воқеасидан тинчитгач, (амирзодалар) Абулқосим Тоғойбек ва Муҳаммадсодиқбекни чақириб, ўз ҳимояти остидан жой бериб, улар тарбияси билан шуғулланишни ва етимлар бошини сийлашдек савоб ишни адо этишни истади. Аммо, афсуски, шу иши сабабли қўлини бу етимчалар қони билан ювишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бу воқеанинг қисқача баёни шуким, Муҳаммадалихон мода ҳодисалар шаттасини еб, ўз ўрнида қолган кезлари бу икки мирзода Хўқанд вилоятидаги Қайнари Умар мавзесида яшардилар. Муҳаммадалихон мода тушкунликка тушганидан улардан ҳам ҳадиксираб қолганди. Шу сабабли бу бечора мирзодаларни Қоратегин тарафга сургун қилди ва бу етимчалар Куҳистон вилоятида яшай бошлашди. Амир Насруллоҳ Хўқандни босиб олгач, яна Бухорога қайтиб кетаркан, унинг бир истаги Хўқанд подшоҳзодаларини таг-томири билан қўпориб, улардан бирон из қолдирмаслик мақсадида илдизларини қуритиш эди. Фарғона мамлакатлари ҳукумати, балки, бутун Дашти Қипчоқни то абад ўз тасарруфига киргизмоқчи эди. Аммо «мулк эгаси сен ва уни хоҳлаган кишингдан тортиб оласан ва хоҳлаган кишингга берасан»¹⁷⁴⁷ ояти каримасидан беҳабар бўлиб, шу жиҳатдан Қоратегин ҳокимларига икки мирбаччани тутиб, олдига юборишлари борасида хат ёзиб юборди. Улар эса амир Насруллоҳ хати етишган ҳамано ҳамиятсизликни шиор қилганча ор-номусни ўзларига эп кўрмай, жонимиз билан, дея мирбаччаларни ҳибсга олиб, амир Насруллоҳ ҳузурига юбордилар. Бироқ, ўша вақтда ўлиш навбати ҳали бу норасидаларга етмаган экан, сабаблар сабабчиси бир иш кўрсатиб, улар омон қолишди. Яъни шу орада Хўқанд воқеаси юз бериб, давлат яна қайтадан Мингия хонадони қўлига ўтди. Бу воқеанинг зикри юқорида ёзилган эди. Хулласи калом, Шералихон бу икки мирбаччанинг онасини есирим, деб ўз никоҳига олди. Сўнг шошилини равишда ул икки мирбачча кетидан Бухорога пайдарпай яширинча одам юбора бошлади. Шаҳрисабзда турган мен фақирингизга ҳам «қандай бўлмасин ул менинг икки азиз фарзандимни қутқариб олинглар» деган мазмунда мактублар битиб юборди. Бироқ, ўшанда ҳеч кимнинг уриниши ва ҳаракатсиз уларга ватанларига кетиш учун амир Насруллоҳнинг ўзи рухсат берди ва мирбаччалар амир Насруллоҳдан ижозат олгач, анча йўл босиб ўтиб, Хўжанд вилоятига кириб келдилар. Бу хушxabарни эшитган Шералихон

* Асарнинг шу қисмидан бошлаб иловаси охиригача фақат Санкт-Петербургдаги нусхада келтирилган.
¹⁷⁴⁷ Қуръони карим, 36:26.

севинчдан терисига сиғмади. Дарҳол Хўқанднинг барча амирларини мирбаччаларни кутиб олиш учун жўнатди. Амирлар ул мирбаччалар ҳузурига етишиб, мулозимат қондасига керагича риоя қилиб, катта иззат-икром билан Хўқанд вилоятига етказдилар. Шералихон уларни бағрига босиб, оталарча ғамхўрлик ва подшоҳона марҳаматлар кўрсатди. Қизини эса Абулқосимбек никоҳига киритиб, Андижон вилояти ҳукуматини берди. Барча хос кишилар Шералихоннинг бу ишига қойил қолиб, таҳсину офаринлар айтишиб, мошаллоҳ дейишди. Абулқосимбек укаси билан Андижонга етишгач, амирлик ўриндиғига ўтириб, ҳукм билан давлат бошқардилар. Бир неча муддат шу зайл ўтгач, ўтган замон хонлари давридан ўзларини айтмоқчи бўлганимиз ярамас ва тубан ишлар учун асраб, Абдурахмонбек билан ҳамтавоқ бўлиб олган бир нечта бузғунчилар яна ўша фисқу фасод одатларига амал қилганча фитначиликни ўз шиорига айлантирдилар ва ўйлаб топган шум режалари воситасида хонликнинг яқин кишиларига айланишни ният қилиб, шу орзу илинжида ул мирбаччаларни Шералихон кўзига ёмон кўрсатиш учун тиришдилар. Аммо, сал ўтмай ўзларининг ҳам тағ-томири билан қуришларини хаёлига ҳам келтирмадилар. Гапнинг қисқаси, ниҳоят, ана шу қабиҳ воқеа ташаббускорлари бу гаранг Шералихонга: – Хон жаноблари савоб юзасидан мирбаччаларни ғариблик диёридан олиб келиб, ўз фарзандингиз қилиб, Андижон вилоятини уларга бердилар. Эндиликда эшитишимизча, ул мирбаччалар фарзандлик йўлидан ташқари қадам босиб, Хўқанд ҳукумати орзусига тушибдилар. Агар ҳикмат юзасидан сал олдинроқ ҳаракат қилиб, бу воқеанинг бирор иложини қилмасалар, ҳодиса рўй бергач, пушаймонлик фойда бермай қолади, – дея маъқуллай бошлабдилар. Шералихон деган бечора ҳам содда қирғиз халқи ичида улғайиб, ўсган ва бунақа машмашаларни умрида сира кўрмаган ва эшитмаган киши эмасми, бу каби ишлар ҳақида эшитгани заҳоти вужудини ваҳима туйғуси чулғаб олади ва «нимани маъқул топсанглар, қилаверинглар, ихтиёрни сизларга топширдим» дейди. Ул бузғунчилар қарашса, тадбирлари тақдирга мос келадиган. Дарҳол шум ниятлари пайига тушишди. Ўша вақтда амир Насруллоҳнинг ҳарб сафари мақсадида Урганж тарафларга отлангани хабари маълум бўлди. Ўратепа ва Жиззах вилоятлари ҳимоячисиз қолган. Бу хабарни эшитган Шералихон ана шу воқеани баҳона қилиб, Абулқосимбекка, бу азиз фарзандининг ушбу хатни олгани ҳамоно ўз қўшини билан бирга отланиб келиб, Хўқанд лашкарини ҳам олиб, шуларга ўзи амир лашкар бўлганча, Самарқанд вилоятини босқин-чопқин қилиб қайтиши борасида иноятнома хатини битиб юборди. Бу мактуб Абулқосимбек қўлига теккач, катта дабдаба билан Хўқанд сари юзланди. Ўша чоғда Шералихон Марғилон ҳукуматини Шоди *мингбоши* ибн Шоҳи *парвоначига* берган эди. Шералихон ўша *мингбошига* яширинча хат битиб юбориб, Абулқосимбек етиб келиши билан ҳар нечук йўл билан бўлса-да, ҳеч иккиланмасдан уни ҳибсга олиши ҳақида топшириқ берди. Шоди *мингбоши* бу буйруқни олгач, ўзида йўқ шод бўлганча ул қўлга янги ўргатилган лочинни овламоқ учун шай бўлиб турди. Гапнинг қисқаси, Абулқосимбек тўла шон-шавкат билан Марғилон шаҳрига етишгач, Шоди қиёмига етказиб меҳмондорчилик қилди. Ўтириш тугагач, ул соддадил мирбаччаларни ушлаб, лашкарининг ҳам бор-будини тортиб олди. Абулқосимбек масҳарабоз фалакнинг ишидан огоҳлик топиб, бу бахти қайтган боши узра нима ўйинлар кўрсатганини англади. Йўқлик сари кетишини билганча ўлимини пойлаб ўтиришдан ўзга чора топмади. Шоди талон-торож ва яғмо ишларидан бўшагач, ул икки ака-ука мирбаччани Хўқанд томонга жўнатди. Бунинг хабари Шералихонга етишгач, дарҳол одам юбориб, ул мазлумларни бир овлоқ жойда ушлаб туриш ҳақида буйруқ берди, Бу воқеадан бутун ҳарам аҳли ва Шералихоннинг қизи огоҳлик топиб, юзларини тирнаб, сочларини юлганча эри олдига борди ва у ҳам эри билан бирга ўлишни афзал кўриб, ёстиқдоши ёнида ўтириб олди. Эртаси куни бу ҳолни кўрган Шералихон уларни барча тобеъ кишилари оиласи билан ватандан бадарға қилдириб, қирғизлар ичига жўнатди. Ул хонумонсиз жамоа бошига тушган кулфатлар ичра бир қанча йўлларни босиб ўтиб, Талас мавзесига келиб тушдилар ва озгина тин олиб, ҳордиқ чиқариш илинжида бўлдилар. Аммо, Шералихоннинг ўғли мирбаччаларнинг тирик қолишини ўзининг ўлимига сабабчи билиб, шу сабабли Шамр хислатли иккита тўнғиз сифат жаллодни ўзининг шум ниятини амалга ошириш учун улар кетидан жўнатди ва ул икки бераҳм жаллод отларига қамчи босиб, тез фурсатда ногоҳоний бало каби мирбаччалар кетидан етиб олишди ва ёшлик гаштини суриб ва салтанат шарбатини татиб улгурмаган мирбаччалар ҳаётининг кулини кўкка совуришди. Бечоралар бу борлиқ ғамхонасидан неча бир ҳасрат ичра этак силкиб, жаннат ошиёнаси сари кетдилар. Бу хабарни эшитган Шералихон ва Абдурахмонбек ўзларича кўнгилларини бу томондан ҳам тинчитиб, ўзига хон, кўланкаси майдон бўлганча Фарғона мамлакати тахтида юрт бошқариш ишларига машғул бўлдилар. Аммо, кўп ўтмай, бу каби ишларнинг касри ўзлари ёқасидан ола бошлашини хаёлларига ҳам келтирмасдилар.

Хўқанд амирларининг Ўратепа томонга қўшин тортгани зикри

Шералихон ва ўғли мирбаччалар ишидан қутулгач, Ўратепа томонга отланишни мақсад қилдилар. Аммо, бу пайтда Хўжанд вилояти ҳукумати амирлик паноҳи Абдурахмонбек ибн Худоёр валинеъматга, Тўрақўрғон, Намангон мамлакатлари амирлиги эса Муҳаммадназарбек ибн Ирисқулибийга қарашли эди. Ота-бола ана шу давлат арбобларидан ҳадикка тушиб, бу амирик паноҳларини алдов йўли билан Хўқандга чақириб олиб, ҳукумат тахтидан туширди ва улар бағирлари қон бўлиб, ночорликда кун кечира бошладилар. Шералихоннинг қўли бу амирлик паноҳлари ишидан ҳам бўшагач, Фарғона мамлакатларининг барча амирларини Ўратепа сари отланиш учун тайинлади. Амирлар Шералихондан рухсат олиб, мақсад томон йўналдилар. Бир неча манзилларни босиб ўтгач, Нав қалъасига етишиб, ул мустаҳкам қалъанинг қамал ва уруш ишларига киришдилар. Ўша кезларда бу сарзамин ҳукумати Иброҳимбий ибн Худоёрбий валинеъмат қўлида эди. Ул амир қалъа сақловчиликнинг барча шартларини аъло даржада адо этди, аммо, беш кундан сўнг қараса, ўт билан ўйнашиб бўлмади. Ноилож омонлик аҳду паймонини тузишга мажбур бўлиб, қалъани хўқандлик амирлар қўлига топширганча Ўратепа томон кетди. Хўқанд амирлари Нав қалъаси билан бирга Қўштегирмон қўрғонини ҳам осонликча эгаллаб, фатҳу нусрат билан Хўқандга қайтдилар. Бир неча масофани босиб ўтгач, Шералихон ҳузурига етишиб, кўруниш бердилар.

Абдурахмонбек ибн Шералихоннинг Ўратепа томонга қўшин тортгани зикри

Яна анча муддат шу зайл ўтди. Ўша вақтларда Урганж хонидан «биз Бухоро томонга қўшин тортиб, Бухоронинг бир фарсах еригача босқин-чопқин уюштирдик. Сиз ҳам вақтни қўлдан бой бермасдан, отланинг» мазмунидаги хабар келди. Шералихон бу хат мазмуни билан танишгач, дарҳол азиз фарзанди Абдурахмонбекни Фарғона лашкари билан Ўратепа томонга юборидиган бўлди ва Абдурахмонбек отасидан юриш сари рухсат олгач, шошилинич равишда Хўжанд вилоятига етиб олди. Ўша пайтларда биродарим Исобий Иброҳимбийнинг ўғлини Хавос қалъаси ҳукумати ишларидан четлаштирган бўлиб, ул мирбачча амирлик паноҳидан юз ўгирганча, Хўжанд вилоятига бориб, Шералихоннинг ўғлига қўшилди ва Абдурахмонбек бу мирбаччанинг келишини улкан баракат билиб, Хавос қалъаси сари юрди. Бир кундан сўнг келиб, мазкур қалъани узук қоши каби ўртага олди ва қамал қилишга киришди. Ўшанда Хавос ҳукумати тепасига биродарим Муҳаммадраҳим девонбегининг ўғли Абдулғаффорбек қўйилган эди. Ул мир ўғли қалъа сақловчилик ишини ўз ўрнига қўйиб, саъй-ҳаракатлар кўрсатди. Аммо, натижаси кам бўлди. Ноилож, омонлик шартномасини тузиб, Ўратепа томон кетди. Бу қалъани эгаллаш ҳам хўқандликлар учун осон кечгач, жуда хурсандлик билан Хавос ҳукуматини Иброҳимбийнинг мазкур ўғлига топшириб, фатҳу нусрат билан Хўжандга қайтилар. Абдурахмонбек ва унинг ёнидаги амирлар ўша пайтда амир Насруллоҳнинг ўта тушкун ҳолатда Амуя дарёси бўйидан қайтиб, ноилож, озгина қўшин билан Жиззах вилоятига келгани хабарини эшитиб, Хўжандда туришга қарор қилдилар. Уч кундан сўнг Исобийнинг Хавос қалъасини Иброҳимбийнинг қўлидан тортиб олиб, амир Насруллоҳ ҳузурига ошиққани ва амир Насруллоҳ ҳам Жиззахдан берига ўтмай, Исобийга меҳрибонликлар кўрсатиб, кетишга рухсат берганча ўзи Бухоро томонга қайтиб кетгани ҳақидаги хабарлар келди. Бу воқеалардан огоҳлик топган Абдурахмонбек ҳам Хўжанд вилоятидан чиқиб, Хўқанд вилояти сари юзланди. Уч манзилдан сўнг ул вайрона шаҳарга кирди. Ношуд отаси ҳузурига етишиб, айшу ишрат билан машғул бўлди.

Шералихон давлатининг путури сабаби ва Муҳаммадназарбекнинг қирғиз ва қипчоқ жамоаси билан адоватлашгани зикри

Келгуси йили иззат ўриндиғидан бахтсизлик ери узра қарор топган Муҳаммадназарбек қийинчилик билан умр кечирарди. Шералихон эса унинг вилоятда бўлишини маъқул кўрмасди. Шу жиҳатдан бу амирлик паноҳининг илдизини таг-туғи билан қўпориб ташлашни истаб, ўша ниятда уни алдов йўли билан бутун Дашти қипчоқ елари закотини ундириб келиш учун юборишга қарор қилди. Чунки, фақат мазкур тадбир воситасида уни вилоятдан ташқари чиқариб, кетидан икки жаллодни ўлдириш учун жўнатиб, ўз шум мақсадини амалга ошириши мумкин эди. Ул амирлик паноҳи Шералихондан кетишга рухсат олгач, шошилинич суратда от чоптириб, Сайхун дарёсидан кечиб ўтди ва осойишталик билан уйқуга кетди. Кутилмаганда ҳалиги қонга ташна икки жаллод амирлик паноҳи устига ногоҳоний ўлим шарпаси сингари бостириб келишди. Амирлик паноҳи шу заҳоти гап нимадалигини пайқаб, ул икки жаллодга ташланди ва уларнинг бошини сапчадек чопиб ташлаб, қочишга қарор қилди. Тез-тез от чоптириб, анча қийинчиликдан сўнг қирғизлар жамоаси орасига етиб олди ва ор-номусини улар зиммасига юклаб, бўлиб ўтган воқеани бир-бир сўзлаб берганча

уладан ёрдам сўради. Ўзи шундай кунни худодан тилаб ўтирган бу жамоа бу гапларни эшитган заҳоти сўзни бир ерга қўйиб, қуйидаги ишни амалга ошириш борасида қарор қилишди. Қўшинни бир жойга тўплаб ва қурол-аслаҳани сошлаб бўлгач, кўп сонли лашкар билан ўз манзилдан ҳаракатга келганча Тўрақўрғон вилояти сари юзландилар. Бир манзил йўл юриб, ул вилоятни ўз назорати остига олдилар. Бу воқеаларни эшитган қипчоқ жамоаси ҳам юртларни вайрон этиш ва халқларни ўлдиришни ўзларига фахр ва маҳобат билиб, кўп сонли сипоҳ билан келиб, Муҳаммадназарбекка қўшилдилар. Буларнинг иши борган сайин ўнгидан келиб, бу сўзлар Шералихонга етиб боргач, ғам-ғусса денгизига чўмди. Анча машваратлардан сўнг бирор қарорга келинди ва Шоди *мингбоши* Хўқанд сипоҳи билан отланиб, шошилини равишда Сайхун дарёсидан кечиб ўтганча Чуст шаҳрига кириб борди. Муҳаммадназарбек ва Қипчоқия жамоасининг каттаси бўлмиш Мусулмонқули хўқандлик аскарларнинг Чустга келганини эшитиб, қўшинни урушга тайёрлаш каби ишларни бажарганча эртаси кун икки томон лашкари мавжланган денгиз сингари тўлқинланиб, бир-бири рўпарасида саф тортдилар ва ҳар икки тарафдан қасоскор довураклар жанг майдони сари қиличларига эрк бериш учун югурдилар. Ажал ҳам улар кетидан неча бир ҳайрат билан қай бирини олдинроқ йўқлик йўлига солиб юборишини билмай ҳаллослаб чопарди. Алқисса, ҳар икки қон ютар денгиз бир-бирига тўқнашди. Жанг пайти Хўқанд амирларидан талайгинаси нон-туз тутиши андишасини қилмай айни уруш ва жанг қизиган чоғда Хўқанд қўшинидан айрилиб чиқиб, ул жамоага қўшилдилар. Бу бевафоликни кўрган Шоди *мингбоши* афсус-надомат чекканча каттиқроқ жанг қилишга киришиб, марди майдонлик кўрсатди. Ниҳоят, анча муҳорибадан сўнг зафар шамоли Муҳаммадназарбек байроғини ҳилпиратишга тушди. Хўқанд қўшинидагилар қарашса, иш қўлдан кетган ва шу сабабли вақтида қочишдан бўлак чора қолмаган. Аммо, Шоди *мингбоши* ўрнидан қўзғалмади ва қанчаларни қиличдан ўтказиб, йўқлик сари равона қилди. Ниҳоят, у ҳам қўлга тушиб, шаҳидлик даражасига етишди. Муҳаммадназарбек ва Мусулмонқули бу ғалабани кўргач, умидлари икки баробар ортиб, қадамларини олдинга поғоналар сари қўя бошладилар. Хуллас, хўқандлик аскарлар орқага чекина бошлагач, улардан анчалари қатл этилиб, кўпи асир олинди ва қолган-қутганлари неча бир машаққат билан ул бало-офат ғарқобидан нажот топиб, Сайхун дарёсидан кечиб ўтганча Шералихон ҳузурига етишдилар. Ул кифоятсиз подшоҳ бу ҳолни кўриши билан ҳуши бошидан учди. Бироздан сўнг ўзига келди ва дарҳол, Дашти қипчоқ мамлакатлари ишини тартибу-назмга келтириш мақсадида кетиб, ўша томон ўлкаларининг туркий паривашлари билан ишрат қилиб юрган ўғли Абдурахмонбекка хабар юбориб, уни воқеадан огоҳ қилди. Абдурахмонбек қирғизлар ичида юрган кезлари ўзининг шаҳватини қондириш учун қайси ёриқни ахтарса-да, камбағаллиги сабабли биронта нарсани қўлга илинтира олмай юрарди. Ҳозир эса Фарғона мамлакатлари ва Дашти Қипчоқ юртларида тўла инон-ихиёрли ҳукмдор бўлгач, паризодлар подаси ичига тушиб қолган эди. Шу кўйи чиройли юз-кўзли жононалар денгизига шўнғиганча қўлига тушган соҳиб жамоллар кўплигидан айрим нозанинлар унинг ҳузурини топиш учун узоқ вақт навбат кутиб қолар эдилар. Ўша аснода Фарғона мамлакатада кечаётган даҳшатли воқеалар хабари келиб қолиб, ҳуши ғурурли бошидан учиб кетди. Ўз ўрнига фақирнинг биродари Мустафоқулихонни кўйганча, дарҳол Муҳаммадалихон моладан қолган амирлар билан манзилу-мақсад сари юзланди. Уч кўчдан сўнг довондан ўтиб, Сир дарёсидан кечиб, отасига қўшилди ва ишларни тартибга солишга тушди.

Фарғона амирларининг Муҳаммадназарбек ва Мусулмонқули чўлоқ кабилар бошлиқ қирғиз ва қипчоқ жамоаси билан бирга Аллоҳ таоло лутфидан Хўқандни эгаллагани зикри

1259 йилнинг қиши поёнига етиб, баҳор фасли келган ва дарахтлар ўзини яшил либослар билан кўркам қилган, тоғу даштларни яшил майса ва райхонлар лашкари қоплаган кезлар, аниқроғи, янги 1260 йилга ўтиш маҳали (1844 йили 22 январ муҳаррам ойи кирган) Муҳаммадназарбек ва қипчоқ жамоаси бу улуғ ғалабани ғайбий неъматлар жумласидан санаб, неча минг фахру-ифтихор ва муҳобот билан катта қўшинни ёнларига солганча Сайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Хўқанд шаҳри сари юзландилар. Ён-атрофдаги айрим хўқандлик амирлар қипчоқия ишини бу зайл кўриб, ноилож келиб, уларга қўшилдилар. Андижон ҳокими Каримқули *додхоҳ* ва бошқа бир нечталар ана шулар жумласидан эди.

Алқисса, Муҳаммадназарбек қиёмат аломатли лашкар билан Хўқанд шаҳрининг ташқарисига келиб тушди ва бир томонлама қилиб, қамал ишига киришди. Ўша вақтда Шералихон калаваси учини йўқотиб, ўй денгизига чўмган эди. Қўпол фикрини қай тарафга югуртирмасин, ҳеч қаерга бориб етмай, қайтиб келарди. Билдики, бу фитна оташини ўчириш инсон зотининг ақли доирасидан ташқари. Ноилож, тақдирга тан бериб, индамай ўтираверди. Хўқанд амирлари кўришса, Шералихоннинг ҳафсаласи Фарғона мамлакатлари подшоҳлигига вафо қилмоқчи эмас. Барчаси

қўллари тирсагигача ювиб, унга айтиб ҳам ўтирмасдан Абдурахмон *девонбеги*ни элчилик йўсини билан Муҳаммадназарбек олдига жўнатдилар. Бу фитнанинг келиб чиқиш сабаблари борасида ундан узр сўраб, тавба қилдилар. Ул амирлик паноҳи: – Биз Шералихонни бошқа подшоҳлардан яхши деб билгандик, аммо, улардан ҳам баттар эканини билмаган эканмиз. Қирғизлар орасида қирқ йил пода боқиб юргани сабабли уларнинг ному нишонини ҳеч кимса билмасди. Фарғона мамлакатларини манғития жамоаси эгаллаганда ва подшоҳлик мингия жамоаси қўлидан чиқиб, шу ерда бу занжир халқаси узилай деб турганда бу хонадоннинг туз-нонини еган мен ўшанинг юз хотири учун неча бир кийинчиликда қирғизлар орасига бориб, Шералихонни олиб келдим ва Аллоҳи таоло лутфи билан ота-бобосининг ўрнига ўтқаздим. Шу тариқа яна давлат бу хонадон қўлига ўтди. Аммо, биринчи қилган иши қариндоши амир Олимхоннинг ўғли Оталиқхонни шаҳид этди. Иккинчиси ўзининг Бухорода юрган икки биродарзодасини у ердан келтириб, Андижон ҳукуматыни инъом қилди ва ўзига куёв қилиб, сўнг уятини йиғиштирганча қўлини ул жаҳон кўрмаган иккита мирбаччанинг қони билан ювди. Давлати юксалиши сабабчиси бўлган Юсуф *мингбошини* ҳам улар кетидан жўнатди. Танида бор жонини унинг йўлига тиккан мени эса охирида эса қатл этмоққа буюрди. Ноилож таваккал қилганча, жонимга жафо бўлувчи балони дафъ этишни вожиб билиб, мана шу қўзғолон исёнини бошлашга мажбур бўлдим. Ҳозир ҳам бўлса, илгариги подшоҳлар замонидан ўзларини бузукчилик уруғини сочиш учун асраб келган ва ўша ҳасад ишларини қўймаган фитначилардан беш-олти нафарини бизнинг қўлимизга топширсин, шундан сўнг Шералихонни яна ўз хонимиз деб биламиз, йўқса, кўраяпсиз, ғишт қолипдан аллақачон кўчган, ўқ камондан узилган, – деди. Абдурахмон *девонбеги* Муҳаммадназарбекдан бу тўғри ва жўяли жавобни эшитгач, дарҳол Шералихон олдига келиб, бир-бир айтиб берди. Шералихон бу сўзни эшитган заҳоти уятдан бошини фикр ёқасига тикиб, афсус-надомат қўлини ишқаб, аттанглаганча ўтирди. Аммо, пушаймонлиги ҳеч фойда бермади. Яна ожизлик ва ноиложлик гирдобида Азимбой *парвоначини* ҳам элчилик расми билан юборган эди, у ҳам ўша жавобни эшитиб келиб, баён қилди. Ниҳоят Шералихон ва ўғли ҳамиятсизликни ўзларига шиор қилиб, ўша бузуқи фитначилардан биттасини Қипчоқия жамоасининг элчиси қўлига топширдилар ва Муҳаммадназарбек элчиси шу заҳоти уни шаҳар растасига чиқариб, йигитнинг бошини кесдилар. Бу хабар шаҳар бўйлаб ёйилгач, барча ҳайрат бармоғини тишлаб, Шералихонга лаънат ёғдирдилар. Эртаси куни хосу авом қарашса, Шералихоннинг толеъси бахт авжидан қуйи энган. Сўзни бир ерга қўйиб, ҳаммаси Шералихон Ўрдаси сари йиғилиб бориб «агар бу хатарли иш қўлингиздан келса, биз мазлумлар бошидан душманни аритинг, йўқса бизнинг ихтиёримизни ўз қўлимизга топширинг, нима қилишни ўзимиз биламиз» дея арз қилдилар. Шералихон фуқаро уни ҳам Муҳаммадалихон модага ўхшатиб обрў-эътиборсиз қилмоқчи эканини сизди ва ноилож душман билан урушиш учун ваъда берди. Фуқаро бу хушхабарни эшитиб, уй-уйига тарқалишди. Шералихондан шу заҳоти «барча халқ ўз тайёргарлиги пайдан бўлсин, эртага султонлик урушини ясаймиз» деган нидо чиқди. Халқ бу даъват-чақирикни эшитиб, ҳар ким ўз иши билан бўлди. Қоронғу тун охирлаб, субҳи содиқ ёқасини йиртган ва олтин қанотли товус зангори осмоннинг тўққизинчи нилуфари тоқида подшоҳлик ўриндиғига ўтириб, пасткаш оламини ўз шўъласи билан мунаввар қилган маҳал жумодилаввал ойининг ўн учинчиси шанба куни ва ўн биринчи жавзода Шералихон катта ҳашамат ва дабдаба билан барча саййидлар ва уламо, умаро, фуқарони ёнига солганча Хўқанд шаҳридан бир фарсах наридаги каминанинг меросий ери бўлмиш Тўқайтепа мавзесига чиқиб, саф тизилдилар. Шунда ташқарига эллик минг киши чиққан эди. Муҳаммадназарбек ва Мусулмонқул чўлоқ ҳам ўз қўшинларини тартибга келтириб, муҳорабага тайёр туришди. Ҳар иккала лашкар денгизи тўқнаш келгач, довюрақлар бир-бирига ёпиша кетишди. Жанг майдони қаҳрамонлар қонидан қизил ёқут рангига кирди. Анча уруш ва жанглардан сўнг Қипчоқия лашкарининг бахт юлдузи балқиб, Шералихоннинг толеъ юлдузи сўна бошлаб, қочишга тушдилар. Шералихон бу бало-офатни кўриб, ниҳоятда ғам-ташвишга ботганча ҳаммадан олдин ўзи қочиб қолди. Бўйинини эганча шаҳарга кириб олди ва уят ва шармандалик ичра саройига кирди. Абдурахмонбек шошилини равишда бир *махрами* билан бошқа дарвозадан чиқиб, қочиш сари юзланди. Шералихоннинг қочгани Қипчоқия лашкарига маълум бўлгач, бир ҳамла билан шаҳарга бостириб киришди ва чоп-ўлдир, бос-ол садоларини осмонга етказишди. Жуда кўп хўқандлик аскарлар ва фуқаро отлар туёғи остида човгон тўпи каби думалаб ётар ва мусулмонлар қони кўчаларда ариқдек оқар эди. Айтишларича, ўша куниси амирлардан тортиб фуқарогача ҳаммаси бўлиб икки минг киши ҳалок бўлган экан. Абдурахмон *девонбеги*, Азимбой *парвоначи*, Раҳимқул *додхоҳ*, Тангрикули *шиговул*, Саййид Али *дастурхончи*, Сиддиқ *тунқотар* каби амирлар ҳам шулар жумласидан бўлишди. Қирғизлар Шералихон Ўрдаси сари юзланиб, унинг барча муҳтарам ҳарамини талон-торожга дучор қилиб, уларнинг эғни ва бисотидаги кийим-кечакларини тортиб олишди. Бечора

аёллар учун эски бир шол латта ҳам Рум атласидан қимматлироқ бўлиб қолди. Хўқандлик пари юзларни эса қипчоқлар отларига мингаштирганча ҳар тарафга олиб қочардилар. Айтишларича, ҳатто Шералихон ўтирган гиламни ҳам унинг тагидан суғуриб олиб, ўғирлаб кетишган. Хўқанд аҳолиси бу қиёмат кунини кўргач, барчаси ҳасрат бармоғини тишлашди ва дардлари учун жим туришдан бошқа давони ўзларига эм билмадилар. Бир кеча-кундуздан сўнг ўлдир-ўлдир ва талон-торож балоси тўхтади. 1260 йил шанба куни жумоди-л-аввалнинг ўн учинчисидан/1844 йил 31 май Муҳаммадназарбек ва Мусулмонқули чўлоқ амир Умархоннинг хуршидқулоҳий қасрига қўш ташлаб, давлат ишлари тартиб-назмига киришдилар. Чунки шаҳар забт этилгач, энди юртга бошлиқ топиш лозим эди. Аммо, бу пайтда Раҳимхон хонадонидан салтанат тепасига чиқадиган бирор одам йўқ эди. Муҳаммадназарбекнинг подшоҳлик қилиши эса ақлдан йироқ ва ҳақиқатдан узоқ нарса эди. Бинобарин, уч кеча-ю, кундуз маслаҳат қуриб, барибир бир қарорга кела олмадилар. Анча тортишувлардан сўнг, ноилоҳ, Абулғозийхон Бухорийга ўхшатиб, тагин Шералихоннинг ўзини жаҳонбонлик ўриндиғига ўтқазамиз, деган битимга келдилар. Уни ўзимизга подшоҳ кўтарамиз, аммо, ихтиёр жilовини унинг қўлига тутқазмаймиз, дейишди. Шу маслаҳат ва қарор бўйича Шералихон Ўрдаси сари юзландилар. **Мисраъ:** Мулкеким султони йўқ, жисме дурурким жони йўқ.

Шералихон уч кундан бери халифалик тахти устидан хору-зорлик бўйраси узра тушиб, ўлимини кутиб ўтирганди. Муҳаммадназарбек ва Мусулмонқул чўлоқ уни Муҳаммадалихон мода қасридан олиб келиб, амир Умархоннинг хуршидқулоҳ қасрида қайтадан подшоҳлик тахтига ўтқаздилар. Бутун шаҳар бўйлаб «замон Шералихон замонидир» дея жар чақиртирдилар. Бу нидо Хўқанд аҳолиси қулоғига етишгач, ҳаммаси бир овоздан таҳсин айтишиб, ғаддор фалакнинг бу каби ишларидан ҳайрат бармоғини тишлаганча ушбуларни дер эдилар: Мамлакатро маъмур дори, халқро маъмур дор, В-зи сари эшон балойи золимонро дур дор (Мамлактни обод ушлай десанг халқни рози қил, Бошларидан золиmlарни узоққа ҳайда]. Алқисса, Хўқанд вилояти бебошлар қўлига тушди. Ўша қоч-қоч куниси Шералихоннинг ўғли шошилганча молу-мулк ва хотин-боласидан дил узиб, минг бир доғу ҳасратда анча йўл босиб, шу кетиши асносида унга ўзига ўхшаш қочоқлар бир-бир йўлиқиб, биргаликда йўлдош бўлди. Бир кеча-кундуздан сўнг Хўжанд шаҳрига кириб борди. Хўжанд халқи иккига бўлиндилар – баъзилари Абдурахмонбекнинг амирлигини маъқул кўрдилар, айримлари бунга розилик бермадилар. Абдурахмонбек қараса, улар орасида қаршилар кўпроқ. Сўнг Сайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Тошканд вилоятига қараб кетди. Абдурахмонбек ўша Дашти қипчоқда юриб, қипчоқ жамоаси ғавғосини эшитиб, отаси чақириғига биноан Хўқандга кетган маҳалда ўзининг ўрнига каминанинг кичик укаси Мустафоқулихонни қўйиб кетган эди. Мана энди ўша кўзимнинг нурига умид қилиб, ўша томон юрмоқда эди. Тошканд фуқароси Абдурахмонбекнинг келганидан хабар топгач, ул вилоят аҳолиси ҳам тарафма-тараф бўлиб, иккига бўлиндилар. Бир гуруҳ келганини маъқул кўрса, бир қанчалар эса бунга рози бўлишмади. Чунки у Тошкандда пайти ёшлик бодасидан маст бўлиб, фуқаронинг энг катта ор-номусига қўл чўзганди. Шу сабабдан улар ўртасида катта қарама-қаршилиқ вужудга келди. Анча тортишувдан кейин олдига одам юбориб, шаҳарга киришини таъқиқлашди. Бундай қарор ул шўр пешонага маълум бўлгач, ғам-ғуссага ботди. Қаерга боришини билмай боши қотди ва ҳақиқатдан борарга жойи, ботарга кўли йўқ эди. **Байт:**

Чу бад карди мабош эмин зи офот,
Ки вожиб шуд табиатро мукофот.
[Ёмон ишлар қилган эсанг, ёмонлик кут,
Чунки табиатнинг жавоби шу эрур].

Анча ўйлангач, бошини қуйи солганча, йўналиш жilовини Ўратепа томонга бурди. Тезлик билан йўл юришга тушиб, бир кеча-кундуздан сўнг Сирдарёдан ўтиб, биродарим Исобий қамалда ушлаб турган Нав қалъасида уларга кўшилди. Биродарим Исобий ул бечоранинг келганини ўзи учун қутлуғ санади ва меҳмондорлик кўрсатди. Икки кундан кейин Мўъминбек ибн Худоёрбий валинеъматга қўшиб, Самарқанд томонга жўнатди. Ул саргардон бир неча масофа йўл юриб, Самарқандга кириб борди ва амир Насруллоҳга кўриниш берди. Амир Насруллоҳ унинг қадамини қутлуғ билиб, ул ватандан овора бўлганга кўп меҳру мурувватлар кўрсатди. Икки кундан сўнг ёнига солиб, Хўжанд вилояти сари юзланди. Бу воқеани китобнинг Манғития қисмида қисса тизимида терганимга қарамай, бу ерда ҳам сўзни калта қилиб қўйишни истамадим. Бинобарин, ушбу бир неча сатрни ёздим. Маънолар мағзини чақувчи нуктадонлардан афв умидимиз бор.

Муҳаммадназарбек ва Мусулмонқул чўлоқнинг амир Насруллоҳнинг Хўжанд устига бостириб келаётганидан огоҳ бўлганлари ва уларнинг ҳам Конибодом, Қарақчиқумгача лашкар тортиб келганлари ва у ердан Бухоро амирини ҳийла ва тадбир воситасида орқага қайтарганлари зикри

1260/1843-44 йили Хўқанд мамлактини босиб олгач, Муҳаммадназарбек ва Мусулмонкул чўлоқ ҳар бир вилоят амирлигига одам тайинлашди. Чунончи, Тошканд вилоятига Бозорбой исмли қипчоқни юборди, Марғилон вилоятига Каримкули *dodxo*ни кўйди. Тўрақўрғон вилоятига Шералихоннинг кичик ўғлини жўнатди ва ҳаказо. Ўша аснода амир Насруллохнинг Хўжанд вилоятига кириб келиб, ул шаҳар қамалига киришгани маълум бўлди. Бу даҳшатли хабар Муҳаммадназарбек ва Мусулмонкули чўлоқ қулоғига етишгач, чуқур ўйга толишди. Ниҳоят, кўнгилларини йўқлик сари мойил қилиб ва кафанларини бўйнига ташлаб, Қипчоқ ва бошқа кўнгилли кўшин билан душман сари отландилар. Бир манзилдан сўнг Қарақчи кум қўрғонига бориб тушдилар ва ўшанда улар билан бирга ўтирган ул қўрғоннинг кекса ва уддабурон кишиларидан бири Хўқанд амирларига қараб: – Амир Насруллохнинг бир йилдан бери иши юришмаяпти. Хоразм хонларининг босқин-чопқинидан жони халқумига келган. Шунга қарамай ҳар қалай Бухоро каби қудратли давлатнинг подшоси. Унга қарши турмоқ ва урушмоқ маъқул иш эмас, аксинча, эҳтиётсизлик йўсинидан узоқ бир ҳаракат. Яхшиси бир ҳийла ўйлаб топмоқ керак. Бўлмаса, ўзимизни ўзимиз ҳалокат жарига ташлаймиз, – деди. Ҳамма ул доно қариянинг сўзини маъқул кўриб, ундан ўша чорани сўрадилар. Ишнинг оқибатини кўра биладиган ул қария: – Исобий ва Шаҳрисабз мирбаччаси, Ургут ҳокими хитой-қипчоқ жамоасининг ҳар бирига алоҳида қуйидаги мазмунда мактуб жўнатсинлар: «Бу воқеадан бурун биз бир-биримиз билан «агар амир Насруллох истаса, ўз вақтини Мовароуннаҳрдаги ёмон мирлар илдизини таг-томири билан кўпориб ташлайди, ҳодиса рўй беришидан олдин ҳар тарафга кўшин тортиб чиқса, биз илгарироқ кўзғалиб, уни йўқлик сари жўнатамиз», дея аҳду-паймон қилган эдик. Ўша кун мана етиб келди, энди сиз амирлар эҳтиёт бўлиб туринг. Биз шу тунда шабихун қиламиз». Муҳаммадназарбек ва Мусулмонкули ул замон доносидан бу сўзларни эшитгач, бажону дил қабул қилдилар ва хушхат мирзони чақириб ул доно қариянинг айтганларини ҳар биттаси номига алоҳида хат қилиб ёзиб, уларни енгил учар қосид кўлига тутқазганча мазкур кишиларга жўнатдилар. Чопар кетишга рухсат олгач, шошилиш тарзда йўл босиб, тонг маҳали Хўжанд қалъаси хандақи қирғоғига етиб келди ва шаҳар ичкарасига кирмоқчи бўлди. Иттифоқан, бу ерда амир Насруллохнинг кўз-қулоқлари туришган бўлиб, ул қон тортиб келган чопарни ушлаб, амир Насруллох олдига олиб бордилар. Амир Насруллох ёзишма мазмунидан огоҳ бўлгач, кибру ҳавога тўлган бошидан ҳуши учиб кетди ва вужудини эса аллақандай кўрқув ҳисси қамраб олдики, ҳеч йўл билан уни юрагидан чиқариб бўлмади. Амирлар қанчалик «бу бир ёлғон гап, шундан ўзга эмас» дейишларига қарамай улар арзи бир пулга ўтмади. Амир Насруллох ўта тушкун ҳолатда Хўжанд вилоятидан кўчиб, манзилу мақсад сари йўналди. Амир Насруллохнинг қочганидан хабар топган Хўжанд халқи дарҳол орқасидан тушиб, бухороликлар кўшинига хужумлар уюштириб, жуда кўп ўлжа олдилар. Қўлга тушган ўлжанинг кўплигидан бу шаҳар гадоси ҳам бойликда Қорун билан тенглашадиган бўлиб қолди. Бу хабар Қарақчиқум мавзесида амирлар қулоғига етди. Ул доно қариянинг тадбир ўқи тақдир нишонига аниқ теккани барчасига маълум бўлди. Қувончдан юраклари қинидан чиққанча Хўқанд томонга қайтдилар. Бир манзилдан сўнг Шералихон гаранг хузурига келдилар ва кўруниш бериб, хушxabарни етказдилар. Ўша вақтда амир Насруллохнинг биродарим Исони Ўратепа вилояти ҳокимлигидан бўшатгани, ўрнига эса тагин Бердиёр эшик оғобошини мазкур вилоят ҳокимлигига тайинлагани хабари етди. Яна келган хабарларга қараганда, амир Насруллох Абдурахмонбекни Лашкар *қўшбеги* билан бирга Тошканд тарафдаги Чордара¹⁷⁴⁸ қалъасига босқин учун жўнатгани, шунингдек, унинг буйруғига биноан амир Олимхоннинг ўғли Муродхон, Шохрух Мирзонинг ўғиллари Ҳайдархон ва Каттахоннинг Ўратепа вилоятига Бердиёр *эшик оғобоши*¹⁷⁴⁹ ёнига келгани маълум бўлди. Бу хабар Муҳаммадназарбек ва Мусулмоқулнинг қулоғига етгач, амир Насруллох томонидан содир бўлаётган бу хавфли ҳаракатлар уларни узоқ ўйга чўмдирди. Бироқ, шундай хатарли онларга қарамасдан, Мусулмонкулнинг кўнглига Хўқанд мамлактини тўла эркинлик билан бошқариш ҳаваси тушиб, Муҳаммадназарбекка Андижон вилояти амирлигини таклиф қилди. Ул амирлик паноҳи бу хабарни эшитиб ҳайрон қолди ва ҳеч нарса демай, ноилож таклифга рози бўлганча Андижон томонга юзланди. Бечора Шералихон подшоҳлик ва гадойлик ва маҳбуслик орасида қолиб, шу «унвон»лардан қай бирига эришганини билолмай қолаверди. Ҳар куни қимиз ўрнига коса-коса алам захрини ичиб ва ўз юрагидан лахта-лахта қон ютарди ва афсус қўлларини бир-бирига уриб, «ўша қирғизлар ичида таёқни қўлга олганча чўпонлик қилиб юрган кунларим минг марта яхши эди. Фарғона мамлакатларига чўпонлик қилиш эса

¹⁷⁴⁸ Чордара – Чордара шаҳри ҳозир Жанубий Қазоғистон вилоятидаги Чордара тумани маркази.

¹⁷⁴⁹ Эшик оғобоши – сарой маҳрамлари ва соқчиларининг бошлиғи.

менга кулфат ва қайғудан бошқа нарса келтирмади. Қанийди яна қирғизлар ичига бориб, эски чўпонлигимни қилсам эди» деб ўтирарди. Ҳа, унинг ҳар куни кўзидан ёш оқизиб ўтириш ва алам, кулфат остида ётишдан бўлак нарса бўлмай қолганди.

Абдурахмонбек ибн Шералихон ва Лашкар қўшбегининг Тошканд мамлақати ва Қурама, балки, бутун Дашти қипчоқ ҳудудларини Худои таоло лутфу карами билан эгаллагани баёнидага сўзлар

Абдурахмонбек ва Лашкар *қўшбеги* Чордара қалъасини олиб, у ерда амирлик ноқорасини чала бошлагач, бу хабарни эшитган бутун қирғизия жамоаси гуруҳ-гуруҳ бўлиб, муносиб тортиқлар билан келиб, уларга қўшила бошладилар. Лашкар *қўшбеги* уч подшоҳ давлати замонасида ўттиз йилча ҳукмронлик қилгани ва шу боисдан бу ҳудуднинг бари аҳолиси билан яхши бўлиб қолгани сабабли ишлари борган сари ривож топаверди. Яъни, ён-атрофнинг таниш-билиш кишилари унинг ёнига йиғилиб келиб, сал кунларда ўз атрофига жуда кўп сонли қўшин йиғишга эришди. Абдурахмонбек ва Лашкар *қўшбеги* қарашса, худои таоло бир иш сабабчиси бўлай деб турибди. Бинобарин, қўллари билан таваккал этагидан ушлаб, кўп сонли қўшин билан Тошканд вилоятига қараб йўналдилар. Уч манзилдан сўнг Сайхун дарёси қирғоғига келиб тушдилар. **Байт:**

Мо кори хешро ба Худованди корсоз,
Бигзоштем то карами ў чи мекунад.
[Биз ишимизни ишларни ўнгловчи
Худога топширдик, не қиларкан?]

Ўша замонда Тошканд вилоятида қипчоқ томонидан мулло Бозорбой исмли киши ҳукмронлик қиларди. Давронбек Қухистоний эса унинг *сипоҳсолори*, яъни, қўшин бошлиғи эди. У эса ўтган замонларда Лашкар *қўшбегининг* қўлидан нон-туз еган саркардалардан бўлиб, Абдурахмонбек Тошкандда пайти унинг ёнида ҳам шон-шуҳратга эришганди. Ана ўша ҳарбий айна тобда ҳар иккаласининг ҳам нон-тузини оқламоқчи бўлиб ҳамда Шералихон ишининг энди ҳеч натижа бермаслигини англаб, дарҳол зимдан бул амирлик паноҳларига мактуб битиб, уларга бу юришларида ёрдам беражани билдирди. Икки кундан сўнг амирлик паноҳларининг келгани хабари бутун Тошканд вилояти бўйлаб ёйилди ва барча халқ хурсанд бўлди. Мулло Бозорбой бу ҳалокат аломатли хабарни эшитгач, ғам-ташвиш гирдобига ботди. Қанча ўйламасин, ўйлаб ўйи тагига ета олмади. Ниҳоят, мазкур Давронбекни олдига чорлаб, бу фалокатга не чора борлигини сўради. Ул саркарда «ҳозирча бу машмаша ва можаро олови гуриллаб ёнмасдан туриб, бу улуғ ишнинг олдини олиш учун ўзимиз қалъани ҳимоя қилиш ишларига киришмоғимиз зарур ва мени жанг қилиш мақсадида қўшиннинг барчаси билан душман олдига юборишингиз лозим, агар бу ишга панжа орқасидан қаралса, кейинги пушаймондан фойда чиқмаслиги аниқ» дебди. Мулло бечора сипоҳгарчилик ишларини яхши тушунмагани учун арпа ўрнига буғдой кўрсатиб сотаётган бу саркаданинг сўзларига амал қилиб, гапини бажону дил қабул қилди ва дарҳол ул муборизнинг бутун лашкарни ёнига солиб, ўша томонга юришига буйруқ берди. Давронбек мулло Бозорбойдан рухсат олиб чиққач, тўхтовсиз равишда борадиган томонига қараб йўлга тушди. Икки манзилдан сўнг Сайхун дарёси қирғоғида Абдурахмонбек ва Лашкар *қўшбеги* қўшинлари рўпарасига тушди. Давронбек келганидан хабар топган ул амирлик паноҳлари чексиз хурсандчилик билан унинг ҳузурига одам юбориб, келишув ишлари пайдан бўлдилар. Анча музокара ва мустаҳкам боғланган аҳду паймонлардан кейин ҳар икки томон тил топишиб, бир-бири билан келишиб олдилар. Абдурахмонбек ва Лашкар *қўшбеги* дарёдан ўтиб, Тошканд вилояти лашкарига қўшилдилар. Бир кундан сўнг ул сарзаминдан неча бир шавкат ва ҳашамат билан сон-саноксиз қўшин аҳли ҳамроҳлигида Тошканд шаҳри сари йўналдилар. Икки манзил йўл юриб, шаҳарга яқинлашганда бутун хосу авом уларни кутишга чиқиб, Дашти Қипчоқ ҳудудига ташриф буюрганлари билан чин дилдан қутловлар айтишди. Фалакнинг бу ўйинидан мулло Бозорбой бечора ҳайрон ва саргардон ҳолатда адашган ит каби ҳар ён зир югура бошлади. Фойдаси бўлмади. Ниҳоят, қараса иш битадиган эмас. Такдирга тан бериб, индамай ўтираверди. Эртаси куни Абдурахмонхон савлат тўкканча у ердан кўчиб, мазкур санада Тошканд қалъасига кириб келиб тушди ва мулло Бозорбой билан бирга бошқа қипчоқларни ушлатиб, бир бўлагини ўлдирди, айримларини қамоққа ташлатди. Қайтадан Тошканд мамлақатлари ва Қурама устидан ҳукмронлигини ўрнатди.

Абдурахмонхон йўл ҳордиқларини чиқаргач, бир неча кундан сўнг бошига Фарғона мамлақатларини эгаллаш хаёли келиб, шу орзу орқасида катта қўшин билан ўша томонга йўналди. Тўрт манзилдан кейин, Хўжанд мамлақати рўпарасида Сайхун дарёси қирғоғига қўш ташлади. Хўжанд амирларига унинг келгани маълум бўлгач, жуда хурсанд бўлишиб, вилоят келинчагини

бемалол эгаллаши мумкинлиги хушхабарини етказиб, қалъани унга топширмоқчи бўлдилар. Аммо, кутилмаганда, Муродхоннинг подшоҳлиги ва Шералихоннинг эса ўлдирилгани хабари келиб қолди. Бу хабарни эшитганлари заҳоти барчаси ҳар дамда бир ўзгариб турувчи буқаламун фалакнинг ишидан ҳайратга тушдилар ва бошларини ўй-фикр ёқасига тикдилар. Абдурахмонхонга берган ваъдаларидан шу заҳоти қайтиб, қалъани ҳимоя қилиш ишларига киришдилар. Бу хабарни Абдурахмонхон ва Лашкар қўшбегилар ҳам эшитиб, ўта тушкунлик билан ул манзилдан кўчиб, шошилич равишда уч кўч йўлни босганча Тошканд вилоятига кириб келдилар ва Шералихон учун аза очиб, фотиҳахонлик маросимини ўтказдилар. Бу маросимлар тугагач, мамлакат ишларига тартибу низом бермоқ ишлари билан машғул бўлдилар.

Муродхоннинг дор ас-салтана Хўқандни эгаллагани ва Шералихон бечорани азалий тақдир ва ламязалий қисмат бўйича ўлдиргани зикри

Муродхон биродарзодалари Ҳайдархон ва Каттахон билан Ўратепа вилоятида Бердиёр эшик оғобоши хузурида истироҳат қилишаркан, кечаси-ю кундузи ҳақиқий чорасоз Худои таолодан йўл-йўриқ кўрсатиб, ишларини ўнглашини тилардилар. Ногоҳ, дуолари нишонга етиб, Хўқанд амирларидан уларни Фарғона салтанатидан умидвор қилувчи кетма-кет яширинча хушхабарлар кела бошлади. Гапнинг қисқаси шуки, Қипчоқия жамоаси Хўқанд вилоятини эгаллаб, Шералихонни кўғирчоқ подшоҳ қилиб қўйганча ўзлари мамлакатни бошқара бошлаган пайтда Қирғизия жамоасининг катта лашкар билан келиб, Ўш вилоятини талаб кетаётгани ҳақида хабар келди. Бу ваҳшат асарли хабарни эшитган заҳоти қипчоқларнинг энг каттаси Мусулмонқул шошилич тарзда Хўқанднинг узук-юлуқ лашкари ва ўзининг қипчоқия жамоаси билан бузилган ва хароб вилоятда Шералихонни қўйиб, Ўш томонга йўналди. Ўтмиш хонларидан қолган, тирик юргандан ўлишини минг марта афзал кўриб юрган айрим амирлар бу янглиғ кунни худодан тилар эдилар, мана ўша вақт етиб келиб, қувончлари ичига сиғмай, хуфия равишда амирлик паноҳи Муродхонга мактублар ёзиб, тожу тахтни таклиф қилишга тушдилар. Ул олий мартабали хонзода ҳам Хўқанд амирлари хатлари келганидан мамлакат душмандан холи қолганини билиб, дарҳол Ҳайдархон ва Каттахонни Ўратепа вилоятида қолдириб, ўзи тоғ йўли орқали уч юз киши билан улуғ Зотга таваккал қилганча Хўқанд сари отланди. Бу хабарни Исфара ҳокими Сотиболдибек ибн Қосим оталиқ эшитиб, унинг истиқболига чиқиб, хушҳоллик билан кутиб олди. Хўжанд ҳокими Каримқул ва Нав ҳокими Охунжон хабар топишиб, улар ҳам шошилич равишда Исфарага келиб, буларга қўшилишди. Муродхон бир кечаси Исфарада ҳордиқ чиқарди. Ўшанда икки минг киши йиғишга эришган эдилар. Эртасига ул сарзаминдан кўчиб, бир шабгир билан Хўқанд вилоятига етиб олдилар ва ўша 1260 йил шаъбон ойи бошида жумъа куни/1844 йил 16 август тўхтовсиз равишда шаҳарга кириб, ул мамлакат келинчагини осонликча бағрига тортдилар. Шоҳлик болидан бир томчи ҳам яламай, фақат бағир қонини ичган ва олий мартабали Оталиқхоннинг қони тутган Шералихон бечорани дарҳол ушлаб, шу заҳоти шаҳид этдилар. Умри муддати эллик беш йил ва Фарғона давлатида салтанати икки йилу бир ою йигирма беш кун бўлди. Муродхон Хўқанд шаҳрида салтанат тахтига ўтиргач, барча хосу авом халқ уни ўзининг асл подшозодаси сифатида тан олиб, хизматига камарбаста бўлди. Ҳеч бир жиҳатда ва ҳеч бир масала бўйича фармонидан ташқари қадам босмадилар. Албатта, халқ ҳали бу пайтда бу гулнинг очилиши узокқа бормай, тез сўлишини ва бу ниҳол мева бермасдан қуришини хаёлига ҳам келтирмаган эдилар.

Муродхон деярлик ўттиз йил ғариб диёрларда овора юрди. Жумладан, бир неча йил Қоратегинда яшади ва анча йиллар Бухорода қийинчилик билан ҳаёт кечирди, у ердан эса Хоразм вилоятига кетиб, сўнг Урганждан байтуллоҳ зиёратига ирода қилди, аммо, муқаддас Машҳад вилоятига етгач, ёнидаги сафар анжомлари-ю, бисотидаги бор-йўқ нарсасини қизилбошларга талатди ва неча бир азобу кулфатда яна Хоразмга қайтиб, бир неча кун ўша ерда дам олди. У ердан тагин Бухорога келди, аммо, амир Насруллоҳ унинг ҳол-аҳволидан хабар олмагани сабабли уч ой қабристонларда тунаб юрди. Ниҳоят амир Насруллоҳ яна раҳм қилиб ўз ёнидан бошпана берди. Сўнг мана салтанат тахтига чиқди. Аммо, у Хўқанд тахтига шунча қийинчилик ва хўрликлардан сўнг етишганига қарамай, шунча тортган азобларининг ҳаммасини бирданига унутиб, ғафлат босганча, халқни эмас, балки, фақат ўзининг маишатини ўйлади. Амирлар қараса, Муродхоннинг хулқ-атвори ва феъл-қилиғи асл насабига мос эмас экан, барча хосу авом ноумид бўлиб, қўлларини тирсагигача ювиб, қўлтиққа уришди ва кўнгиллари уни йўқ қилишга мойиллик билдирди.

Қипчоқия жамоасининг дор ул-мулк Хўқандни қайта эгаллаганлари ва Муродхоннинг Худоёрхон ибн Шералихон томонидан ўлдирилиши баёнидаги гаплар

Бу қиссанинг қисқаси шуки, қипчоқия жамоаси қирғиз балосини эшитгач, фитна истовчи фалакнинг ўйинларидан ғофил дарҳол кўп сонли қўшин билан ўша тарафга қараб юрдилар ва бир неча манзилларни босиб ўтгач, Андижон вилоятига кириб бордилар. Эртаси куни ул манзилдан кўчиб, имкон борича тез юрганча Ўш вилоятига етишиб, қирғизларга етиб олдилар ва жангга отландилар. Қипчоқия жамоасининг келгани қирғизларга маълум бўлгач, улар ҳам уруш ҳаракатларига ҳозирланиб, жанг сари юзландилар. Анча олишувлардан сўнг зафар насими қипчоқия тарафидан эси, қирғизлар эса қочиш сари юзландилар. Қипчоқиянинг каттаси бўлмиш Мусулмонқули музаффар ва ғолиб ҳолда шу ерга қўш ташлаб, уруш ҳордиғини чиқарди.

Ана ўша вақтда Муродхоннинг подшоҳ бўлгани хабари келди ва бу жонни куйдирувчи воқеа хабарини эшитган Муҳаммадназарбекнинг вужудига ларза тушди, қипчоқия жамоаси юрагига ўт қаланди. Ҳайрат бармоғини тишлаб, нима қилишни билмай қолишди. Тадбиру ҳийла илмига қон ақллари хаёл майдонида қанчалик эркин қўямасинлар, бирон ерга етиб бора олмади. Ниҳоят, Муродхонга эҳтиёжлик аризасини битиб, ўзларининг қуллуқчилиқ ва хизматкорлик изҳорини баён қилдилар. Хатлари Муродхонга етишиб, мазмунидан хабардор бўлгач, кибру ҳавоси яна минг баробар ошди. Шу заҳоти хатнинг жавобини катта ҳарфлар билин ёздириб, чопарни йўлга туширди. Хатни олиб борувчи Муродхондан кетишга руҳсат олгач, шошилиш равишда манзили йўлларни босиб ўтиб, Муҳаммадназарбек ва Мусулмонқул чўлоқ ҳузурига етиб борди ва воқеани оғзаки тарзда ҳам баён этди.

Алқисса, улар рад жавоби ёзилган ва кибру ҳаво билан битилган мактуб мазмуни ва Муродхоннинг ақли комил эмаслигидан воқиф бўлгач, агар бу ишга эътиборсизлик билан панжа орасидан қарасалар ва пайсалга солиб, фурсатни қўлдан бой берсалар, Муродхон ҳаммасининг илдиз-пилдизини таг-туғи билан қўпориб ташлайди. Шу жиҳатдан ўз жонидан қўрққанча, қўлларини таваккал қуръони устига қўйиб, бу хатарли иш мутасаддийси бўлишди (яъни Муродхонни йўқ қилиш пайига тушишди). Ўша вақтда Тўрақўрғон ва Намангон амирлиги Шералихоннинг кичик ўғли Худоёрхонга қарашли эди. Дарҳол бу мирбаччани ўртага олиб, барча амирлар биргаликда уни оқ кигизга ўтқазиб, хонлигига қасам ичдилар. Эртаси куни катта шон-шавкату ҳашамат билан Андижон вилоятидан қўзғалиб, шошилиш тарзда Хўқанд сари юзландилар. Анча масофани босиб ўтиб, икки шабгир билан буюк нур балқиб чиққандан сўнг Хўқанд вилоятига етишдилар ва урушга тайёр турдиар. Муродхон дам олиш ўринида ўз маъшуқаси билан минг бир нозу ниёз ила ухлаб ётарди. Бу каби воқеаларнинг рўй беришини имкон ва ақл доирасидан ташқари билиб, кўнгли сари ҳеч қандай шубҳага йўл бермаган эди. Кутилмаганда, жон қулоғига ғалағовур ва шовқин товушлари эшитилди. Пинагини бузмай неча бир гердайиш ва муҳим кўриниш билан ҳарамсаройдан ташқари чиқди. Ахир у Шералихоннинг қони ёқасидан маҳкам тутиб, ажал томонга етаклаб кетаётганини қайдан ҳам билсин. Айтмишлар, ким бировга чуқур қазиса, охир шу чуқурга ўзи йиқилур, деб. Девонхонага етгач, бу бемаҳал шовқин-сурон ҳақида сўраб-суриштирди. Шундагина бу нақшинкор гунбазнинг пасткаш ва бузуқи оламда яна қандай ўйин қўзғашга киришганини англаб етди. Бошини фикр ёқасига тикиб, ғам гирдобига ботди. Такдир ишини қилиб бўлганини сезиб, афсус-надоматлар чекканча энди ҳеч нарса фойда бермаслигини хаёлидан ўтказди. Ноилож, кўнгилни йўқлик сари дадил тутиб, ўз надимлари билан бирга уруш сари отланди. Ўша аснода қипчоқ аскарлари бир ҳамладаёқ шаҳарга кириб, қўлларини қатл ва талон-торож сари чўздилар. Хулласи калом, икки қўшин бир-бири устига ташланиб, Хўқанд шаҳри кўчалари қаҳрамонлар қонидан тўлқинли дарё каби қизил тусга кирди. Ўлдир-ўлдир бозори авжига миниб, малак ул-мавт шошганидан хожайин билан қулга қандай нарх белгилаш учун фурсат топа олмай қолиб, *шайхулислом* билан мардикорни бир хил нархда пулларди. Чунончи шоир (Саъдий) айтмиш, **байт:**

Бани одам аъзои якдигаранд,
Ки дар офариниш зи як гавҳаранд.
Чу узве ба дард оварад рўзгор,
Дигар узвхоро намонад қарор.
Ту к-зи меҳнати дигарон беғами,
Нашояд ки номат ниҳанд одами.
[Бани одам бир аъзодир,
Яратилиши бир гавҳардандир.
Рўзгор бир узвни дардга келтирса,
Бошқа узвлар ҳаб беқарор бўлади.

Сен одамлар ғами билан яшамас экансан,
Номинги одам дейиш асло нотўғри].

Ниҳоят, анча уруш ва жангдан сўнг қипчоқ жамоаси кавкаб балқиб, Муродхоннинг бахт юлдузи сўниб, қочиш сари юзланди ва минг бир азобда арк ичига кириб олди. қипчоқия лашкари фатҳ эшигининг ўзлари сари осонликча очилганини кўришди ва қочганларни қувлашга тушиб, инсоний раҳм-шафқат деган туйғуларни унутганча ўзларига ноҳақ қон тўкмоқни шиор қилиб, худодан қўрқмай ва бандасидан уялмай, ўлдир-ўлдирга берилиб кетдилар ва кўчаларни ўликларга тўлдириб, Хўқанд аркига етиб олиб, бир зарба билан подшоҳлик қасри ичига кирдилар. Қаср ичида қайси тирик жон бўлса, битта қолдирмай қон ютар қиличдан ўтказдилар. Фақат ўша қипчоқия жамоанинг пири бўлмиш фақирнинг икки укасигина бу ҳалокат гирдобидан омон чиқдилар.

Муродхон бечора ҳали подшоҳлик насими димоғига етмай туриб, ажалнинг учқур шамолига йўлиқди ва ҳали муддао ғунчаси шоҳлик гулистонида очилмай туриб, қисмат ва тақдир панжаси сикувида пажмурда бўлди.

Хулласи калом, ул қон тутган бечорани ушлаб, сўнг судраб-судраб, Қипчоқия жамоаси олдига олиб келдилар. Шу заҳоти Шералихон қони баробарида унинг томоғига ҳам шаҳидлик шарбатини куйдилар. Ул давлат юзини кўриб улгурмаган подшоҳ минг бир ҳасрат билан бу арзимас даҳрдан этагини йиғиштирганча, охират сари юзланди. Ҳукумати муддати тўққиз кун, умри бир йили кам қирқ ёш бўлди.

Қипчоқия жамоаси ўлдир-ўлдирдан бўшагач, шунчаки ҳавасга ва кеккайган кўйи уламо ва урушда тирик қолган амирлардан бир нечасини шаҳидлик даражасига еткардилар. Булар Фарғона мамлакатлари барчасининг пирзодаси эшон Сулаймонхожа *шайхулислом* ибн жаноб ҳидоят паноҳий эшон Зокирхожа *шайхулислом* алайҳирраҳма ва Қори Андижоний ва уламодан охунд мулло Холмуҳаммад *аълам*, Хон мадрасаси мударрисси домла Хожамқули *муфти* ва амирлардан Сотиболди *додхоҳ* ибн Қосим *оталиқ*, Бобораҳим *иноқ* ибн Ражаб *қўшбеги*, Охун *додхоҳ* ибн Иброҳим *парвоначи* ва Хўжанд ҳокими Каримкул *додхоҳ* ва ҳоказолар ана шулар жумласидан эди. Агар уларнинг ҳар бирига муфассал тўхтанилса, сўз узоққа чўзилади. Бинобарин, бу ишимиз маънолар мағзини чақувчи ўқувчилар кўнглига малол келтирмасин, деб шу номлар билан кифояландик. Ўлдирилган оддий фуқаронинг эса сон-саноғи йўқ эди.

Алқисса, қипчоқия жамоаси 1260/1844 йили шанба куни қайтадан Хўқанд мамлакатини босиб олиб, кўнгилларини Муродхондан тинчитгач ва хотирини ўлдир-ўлдир ишларидан жам қилгач, эртаси куни Худоёрхон ибн Шералихонни отасига ўхшатиб, тахтга қўғирчоқ хон сифатида ўтказдилар ва унинг номига танга зарб этиб, хутба ўқитдилар. Ўзлари эса қандай шаклда лозим топсалар, шу бўйича амал қилиб, ул нозанин ўлка устидан фармон юргизишга киришдилар.

Мисраъ: Метавон ёфт зи унвони сухан мазмунро
(Сарлавҳаданок қисса мазмунини англаш мумкин].

VIII. Авазмуҳаммад Аттор Хўқандий. ТАРИХИ ЖАҲОНАМОЙ¹⁷⁵⁰.

[1842 йили 12 май куни Бухоро амири Насруллоҳ ҳарбий юриш натижасида Қўқон шаҳрини эгаллайди. Бу юриш ташкилотчиларидан бири муҳожирликда бўлган Қўқон хонлари авлодига мансуб Ҳакимхон тўра ибн Маъсумхон шайх ул-ислом эди¹⁷⁵¹. Амир Насруллоҳ қўшини Фарғона водийсини талон-торож этиб, Қўқонни ҳам ғорат қилади¹⁷⁵². Қўқон хони Муҳаммадалихон ҳамда унинг яқинлари, укаси Султон Муҳаммад, онаси Моҳларойим (шоира Нодира), ўғли хонзода Муҳаммадаминхон ҳам ўлдирилади.

Бухоро амири Қўқонда 13 кун туриб, хонликдаги кўплаб хунарманд косиблар, усталарни мажбуран Бухорога олиб кетади]¹⁷⁵³.

//163^a...Амир Насруллоҳ¹⁷⁵⁴ манғит¹⁷⁵⁵нинг Хўқандни олиши борасида бир шоир яхши бир таърих айтганди. **Таърих:**

Дар жаҳони бебақо на сушт, на чолок монд,

На шаҳаншоҳи замон, на соҳиби амлок монд.

Аз каманди марг на Ковус¹⁷⁵⁶ раст, на Кайқубод¹⁷⁵⁷,

Зинда на Баҳрому¹⁷⁵⁸, на Жамшеду¹⁷⁵⁹, на Заҳҳок¹⁷⁶⁰ монд.

Бо ҳама ҳикмат Фалотун¹⁷⁶¹ ро бақо ҳосил нашуд,

¹⁷⁵⁰ Авазмуҳаммад Аттор Хўқандий. Тарихи жаҳонамой / Форс-тожик тилидан таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент, 2012. – 420 б.

¹⁷⁵¹ Шайх ул-ислом – давлатда мусулмон жамоасининг бошлиғи. Саййид ва хўжалардан тайинланган. Маъсумхўжа Ҳакимхўжа ўғлининг бобоси Ортуқхўжа эшон Кенагас ойим бинт Иброҳим оталикка уйланган эди. Маъсумхўжа Ҳакимхўжанинг хотини Офтоб/Ойтоб ойим Олимхоннинг синглиси, Нарбўтанинг қизи эди. Ҳакимхўжани яна Хонтўра, Саирмсоқхонтўра, Подошоқтўра, Муҳаммадсайидхўжа нақиб, Муҳаммадхолиқхўжа, Аҳмадхон (Девонахўжа), Шарифхўжа ва Мустафоҳон номли ўғиллари ва бир қиз бўлган. Қизи Қорабошхўжа ибн эшон Мўсохўжа Дахбедийга эрга теккан.

¹⁷⁵² Муфассал қаранг: Муҳаммадҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих. / Форс-тожик тилидан таржимон, кириш, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2010. – 720 б

¹⁷⁵³ Асарнинг фақат муаллиф даврига доир қисми берилмоқда. Асарнинг шу воқеаларгача бўлган тафсилотлари айна шу китоб учун манба бўлган “Мунтахаб ут-таворих”да кенг келтирилган.

¹⁷⁵⁴ Амир Насруллоҳ Бухоро ҳукмдори (1827-1860).

¹⁷⁵⁵ Манғит(лар) – Манғит/манғития – Манқит/манғитлар – йирик қабилалардан бири. Ўзбекистон ҳудудида Бухоро воҳаси ва Қарши атрофида, Зарафшоннинг қуйи оқимида, ўрта оқимида, Чоржўй туманида, Жиззахда, Хоразмда яшаган. Минглар қорақалпоқлар ва Шимолий Кавказдаги нўғайлар таркибида ҳам бўлган, бир қисми эса Шимолий Афғонистонда яшаган. Ўзбекистонда яшовчи минглар бир қанча йирик ва майда уруғларга бўлинган. Энг йириклари: оқ манғит, оч манғит, қора манғит, чала манғит, бойгунди манғит. Булардан ташқари темирхўжа, исобой, гаулак, кўса, тоз, қорабайир, бақирчи, кула, тамғали, манғит козок, ўн икки чўқай, гала ботир, бешкал, чобакчак, уз, увалай ва б. Манғитлар Бухоро хонлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Бу қabila Қашқадарё вилоятида ҳам кучли ва ҳукмрон қабилалардан бирига айланган. 1753–1920 й.ларгача Бухорони идора қилиб келган хонлар манғитларнинг тўқ уруғидан бўлган, шу сабабли хонликда катта имтиёзларга эга эдилар. Мазкур сулоланинг намояналари аввал Бухорода оталиқлик мансабини қўлга олганлар. Кейинчалик чингизий хонларни тахтдан тушириб, ҳокимиятни ўз қўлларига олишган.

Манбада тилга олинган манқит/манғит, минг, юз, кўнғирот каби ўнлаб туркий уруғларнинг келиб чиқиши Дашти Қипчоқда Жўжихоннинг набираси Ўзбекхон Султон Муҳаммад (тахм. 1282–1342) – Олтин Ўрда хони (1312–1342) Мангу Темурхоннинг набираси номи билан боғлиқ. Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми (жанубий-ғарбий Сибир)да Абулхайрхон асос солган (1428) давлат ва унинг аҳолиси “ўзбек улуси” дейилган. Пойтахти – Чинги-Тура (ҳоз. Тура) шаҳри. 1428–1446 йилларда ўзбек улусига Орол денгизининг шимолий қирғоқларидан Иртиш дарёсининг ўрта оқимларигача, шарқда Сарису ва Чу дарёларида ғарбда Ёйиқ (Урал) дарёсининг сўл соҳилларигача бўлган ерлар қараган. Ўзбек улуси уруғ-қабилачилик муносабатлари асосида барпо этилган. 92 бовл (эл-улуси)дан иборат кўчманчи мусулмон туркий халқларни Марказий Осиёда “ўзбек” номи остида тилга олишган ва 1924 йилдан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон ана шу халқ номи билан атала бошлади. Шунинг учун мазкур асарда муаллиф “ўзбек” номи остида тилга олган аҳоли Ўрта Осиёдаги ана шу уруғ вакиллари билдиради. Бу ва бошқа тарихий асарларни ўқиганда “ўзбек улуси”ни ҳозирги ўзбек миллати билан адаштирмаслик лозим.

¹⁷⁵⁶ Ковус – қадимий Эрон шоҳи номи.

¹⁷⁵⁷ Кайқубод – кайёнийлар шоҳи номи.

¹⁷⁵⁸ Баҳром – Баҳром юнонлардаги шон-шавкат ва жанг худоси Миррихнинг шарқдаги номи. Бу ерда шу юлдузнинг жойлашишига ишора қилинмоқда. Бироқ бу ерда сосонийлар подшоси Варахран IV назарда тутилган. Эрон шоҳларидан Баҳром (Варахран IV) гур (ёввойи эшак – гурхар) овлашга ишқибоз бўлгани учун бадий адабиётда “Баҳроми гур” лақаби билан тилга олинади. У зўр ўқ-ёй отувчи ҳам бўлган ва шунинг учун овчилик, мерганлик рамзи ҳам саналади. Шунингдек, қўлида ўқ-ёй, қилич ушлаган ҳолда тасвирланган жанг худоси Миррих (Марс) сайёраси шарқ адабиётида Баҳром номи билан ҳам аталиб, бу ерда ана шу икки ҳолатга ишора орқали сўз ўйини қилинмоқда.

¹⁷⁵⁹ Жамшед – Эрон давлатига асос солган афсонавий шоҳ Жамшид бошқа шоҳлар ичида баланд мартабали шон-шавкат эгаси, базму-ишрат, Наврўз каби байрами ижодкори ва унинг май жоми оламини кўрсатувчи кўзгу сифатида талқин этилади. Бу ерда қуёшнинг баланд мартабасига ишора қилинмоқда.

¹⁷⁶⁰ Заҳҳок – “Шахнома” асаридаги золим ҳукмдор номи. Аслида, пешдодийлар сулоласининг тўртинчи вакили Шаддод наслидан бўлмиш Заҳҳок ибн Мурдас.

¹⁷⁶¹ Фалотун – Платон(ваф.э.о.347), юнон файласуфи кўзда тутилмоқда.

Кай ба он донише Арасту¹⁷⁶² соҳиби идрок монд.
 Бузуржмеҳру Жолинусу Букрот ҳаким,
 Жовидон на Бў Али Сино¹⁷⁶³ ву на Саккок¹⁷⁶⁴ монд.
 Маргро Лукмон¹⁷⁶⁵ иложу чора натвонист кард,
 Аз камоли нотавоний паҳлу андар хок монд.
 Журъа нўши марг шуд шоҳу гадову неку бад,
 На тани олудаҳо монду, на жисми пок монд.
 Корвоносо ҳама 3-ин хокдон бастанд рахт,
 Баҳри ҳирси жифа зоғони даҳанбўнок монд.
 Марғзори даҳр холи гашт аз шерафканон,
 Андар ин байғула на нахчиру на фитрок монд.
 Ёфт истило Баҳодирхон манғит аз қазо,
 Аз кудумаш мулки моро на дарахти ток монд.
 Лашкари Ёъжуж¹⁷⁶⁶ монандаш малахосо расид,
 На ба боғ олуча, на гелосу себу нок монд.
 Даст бар моли халойиқ аз пайи ғорат ниҳод,
 Бурёи хонаҳо, на кўрпаву на пўшок монд.
 На мусалло дар масжид, на алам андар мазор,
 Юнги ҳаммомий, на халтаи даллок монд.
 На дирафши кўҳнадўзону на качкули гадо,
 На асои зоҳидин, на шайхро мисвок монд.
 На қанора монд дар қассоб, на чархи кулол,
 Сўзани дўзандаҳо, на мисқоби ҳаккок монд.
 Покуи ҳаммом чукбуру мокуи бофандаҳо,
 На занонро чарху тифлонро камону ғиллок монд.
 Танг чашмҳои манғит гашт аз турк¹⁷⁶⁷ он фузун,
 На зи торожаш ба саҳро ҳезуму хошок монд.
 Раҳм бар мазлум Муҳаммадали¹⁷⁶⁸ султон накард,
 Доғи бадномий аз он бар манғити саффоқ монд.
 Шонаваш аз мотами он шаҳриёрони жаҳон,
 Доғҳо пасмондагонро бар дили сад чок монд.
 //163^б Чарх дар бар карда 3-ин мотам либоси нилгун,
 Нест анжум, доғҳо бар синаи афлок монд,
 Шоми ғам бошад нишон аз мотами он гулрухон,
 Субҳ низ аз сўг чун шахс гиребон чок монд.
 Гулуъзорон 3-ин чаман рафтанд дар оғўши хок,
 Синаҳои булбулон бо оҳи оташнок монд.
 Сад ҳазор афсус аз бемехрии ин даҳри дун.
 Чехраи он нозанинон зери сад ман хок монд.
 Бода нўшон жумлаги рафтанд 3-ин дайри фано,

¹⁷⁶² Арасту – Аристотель, юнон олими (э.о.384-322).

¹⁷⁶³ Бў Али Сино – 980-1037 йилларда яшаган бухоролик машҳур энциклопедист олим ва табиб Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ.

¹⁷⁶⁴ Саккок/Саккокий – XV аср туркийзабон шоирларидан бўлган. Саккок – пичоқчи дегани.

¹⁷⁶⁵ Лукмон – ривоятлар бўйича юноннинг жуда оқил ва доно шоҳ Лукамоон.

¹⁷⁶⁶ Ёъжуж ва Маъжуж – афсонавий махлуқлар. Қиёмат кунида пайдо бўлар экан.

¹⁷⁶⁷ Турк – ўзбеклар таркибидаги этник гуруҳлардан бири. Турклар тўртта йирик қабила (турк, мусобозори, калтатой ва барлос)дан иборат бўлган. VI– XVI асрларда ҳозирги Ўзбекистон худудига келиб жойлашган. Қадим ва ўрта асрлардаги туркий қабилаларнинг қолдиқларидан таркиб топган. Турклар таркибига турклардан мўғул қабилаларнинг айрим гуруҳлари ҳам кирган. Улар, баъзан, чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланган. Бугун туркийлар моддий ва маънавий жиҳатдан бошқа ўзбек гуруҳларидан фарқ қилмасда, айрим урф-одатлари ва хўжалик фаолияти билан ажралиб турган. XX асрнинг бошларида туркларнинг кўпчилиги тоғлардан воҳаларга кўчиб тушганлар. Улар Бухоро хонлиги худудида, Самарқанд вилояти, Фарғона водийсида жойлашган, айрим гуруҳлари эса Ўратефа, Жиззах яқинида ва Тошкент воҳасида яшаганлар. Турк қабилалари Яхсув, Қизилсув дарёлари водийларида, Хонақодарё, Кофирнихон дарёларининг юқори қисмида, Зарафшон тоғининг ғарбий ён бағриларида, айрим гуруҳлари эса Бухоро воҳасида Шохруд дарёси бўйлаб жойлашган. Барлослар Қашқадарё, Сурхондарё ва қисман Зарафшон водийсига ўрнашган. Мусобозорилар Хонақодарё, Қарши воҳаси ва Қашқадарёнинг юқори қисмида, калтатойлар эса, асосан, Сурхондарёда яшашган.

¹⁷⁶⁸ Муҳаммадали – амир Умархоннинг ўғли. Қўқон хони (1822-1842).

Ашки хеш ёдгор дидаи намнок монд.
Жустам ин мансубаро таърих аз пири хирад,
Гуфт: «бар гўшаи дилам жамъи дили ғамнок монд»¹⁷⁶⁹.
[Бақоси йўқ жаҳонда на суст, на чаққон қолди,
На замон шаҳаншоҳи, на мулк соҳиби қолди.
Ўлим арқонидан на Ковус қутулди, на Кайқубод,
На Баҳрому, на Жамшиду, на Заҳҳок тирик қолди.
Шунча ҳикмат билан Афлотун топмади умри бақо,
Шунча илми билан на соҳиби идрок Арасту қолди.
Бузургмеҳр, Жолинус, ҳаким Бўқрот қолмади мангуга,
Бу дунёда на Бу Али Сино, на Саккокий абад қолди.
Ўлимга Луқмон иложу чора қила олмади ҳеч,
Нотавонлик билан у тупроққа ёнбошлаб қолди.
Ўлим шарбатини ичди шоҳу гадо, яхши-ю ёмон,
На тани булғанган қолди, на жисми поклар қолди.
Корвондек барча бу хокдондан юкин йиғиштирди,
Мурда ҳирсида оғзи ҳидли қарғаларгина қолди.
Дунё ўтлоқзори холи қолди шерафкан мардлардан,
Бу бурчакда на овлашга қуш, на қуш илгич қолди.
Қазодан бўлиб Баҳодирхон манғит истило қилди,
Шум қадамидан юртимизда на ток дарахти қолди.
Яжужга ўхшаш қўшини чигирткадек ёпирилиб,
На боғда олча, на гилос, на олма-ю нок қолди.
Ғорат қилмоқ пайида қўлини халқ молига чўзди,
Уйларда на буйра, на кўрпаву на тўшак қолди.
На масжидда жойнамоз, на мозорларда туғ,
Ҳаммом лўнгиси, на ғассолнинг халтаси қолди.
На ямоқчиларнинг бигизи, на гадонинг качқули,
На зоҳид ҳассаси, на шайхнинг тиш тозалагичи қолди.
На қассобда қанора, на кулолда чарх,
На тикувчида игна, на ўймакорнинг қочови қолди.
Сартарошнинг чук кесар устараси, тўқувчининг моқиси,
На хотинлар чархи, на болалар камони-ю, ўйинчоғи қолди.
Кўзи қийиқ манғитлар турк яғмоларидан ҳам ўтиб тушишди,
Талон-торожидан саҳрода на ўтин, на хас-хашак қолди.
Мазлум Муҳаммадали Султонга раҳм қилмади,
Бадномлик доғи шу сабаб қонхўр манғит манглайида қолди.
Ул жаҳон шаҳриёрлари мотамидан тароқдек йўл-йўл,
Кетида қолганлари кўксида доғдан юз минг чок қолди.
Осмон бу мотамдан мовий ранг либос кийди,
Юлдузлар эмас, фалак кўксида доғлар қолди.
Ғам шоми ул юзлар мотамидан бўлса бир нишон,
Тонг ҳам мотамдан одамдек ёқаси йиртиқ қолди.
Гул юзлар кетишди бу чамандан тупроқ оғуши сари,
Булбуллар синалари ўтли оҳлар билан қолди.
Юз минг афсус бу дунё меҳрсизлигидан,
Ул нозанинлар чехраси минг ман тупроқ остида қолди.
Бода ичувчилар бари кетишди бу фано дайридан,
Ўз кўз ёшларин қолдириб, шу улардан ёдгор қолди.
Бу воқеанинг санасини ақл пиридан сўрадим,
Деди: «дилим бурчагида бир ўрам дил ғами қолди».

Алқисса, давлат *мингия* сулоласи қўлидан чиқиб, *манқития* сари юзлангандан сўнг Иброҳим Хаёл¹⁷⁷⁰ хонларнинг тинчлик тахти узра иззат ёстиғига ёнбошлаб, ҳукмронлик юргизиш ишларига киришди. У давлатнинг девонлик ишларига бош суқиб, ҳар бир нарсадан солиқ ундириш таъмасига

¹⁷⁶⁹ Таърих моддаси “жамъи дили ғамнок” 1258/1242 йилни беради.

¹⁷⁷⁰ Иброҳим хаёл – уч ойга яқин Қўқонда амир ноиби бўлган.

тушди ва ўзича аҳолига қарашли шахсий мулк, тошу тарозу ва тегирмонлар устидан ҳам подшоҳлик юргизишни кўнглига тугди. Тик турган ҳар бир дарахтдан бешдан-бир солиғи ундириш қонунини ҳам жорий қилди. Ҳатто одамлар кундалик овқатда ишлатиб ейиш учун ўз уйларидаги бир кулчадек ерга бир сиқим кашнич экишса, ундан ҳам *чаҳорпули* ва *панжпули*¹⁷⁷¹ ундириб, халққа озор бера бошлади. Бирор киши бу ит қилиқли жоҳиллар ишидан норозилик билдириб, қаршилиқ кўрсатса, айтадиган гапларининг индиллоси «ҳалиям мусулмон бўлмабсизлар» қабилдаги кесатик ва дашном сўзлари бўлди. Ана шу каби зўравонликлар халқни қийин аҳволга солиб, одамлар кеча-ю кундуз худодан бу золимларни бошларидан аритишни тилар эдилар. Қарангки, мазлумларнинг бу илтижо ва қарғиш сингари умид ўқлари муддао нишонига аниқ тегиб, кутилмаганда Хўқанд мамлакатининг шимолий худудлари ва *қирғиз*¹⁷⁷² иянинг Талас мавзеси томонидан *қирғиз* ва *қипчоқ*¹⁷⁷³ лар ҳамкорлигида Саййид Шермуҳаммадалихон давлатининг офтоби чиқиш ҳодисаси рўй берди. *Қирғиз*лар сардори Юсуф¹⁷⁷⁴ бий¹⁷⁷⁵ *сардор*¹⁷⁷⁶ ва Муҳаммад Назарбек¹⁷⁷⁷ ибн Ирискули бий¹⁷⁷⁸ ва *қипчоқия* томонидан Муҳаммад Назар бий Кўрўғли ва Мулло Холбек¹⁷⁷⁹, Ўтаббой бий¹⁷⁸⁰ ва бошқалар аймақ ва уруғи билан йиғилиб, чақмоқ чақини сингари оламни остин-устун қилиб келиб, ўша йилнинг Саратон ойида панжшанба куниси Намангон¹⁷⁸¹ шаҳри ва Тўрақўрғонни эгалладилар ҳамда у ернинг ҳокимини кишанлаб, зиндонхона асирига айлантирдилар. Ўша куниси Андижон¹⁷⁸²,

¹⁷⁷¹ Чаҳорпули ва панжпули – экин, боғ ва узумзорлардан олинган солиқ.

¹⁷⁷² Қирғиз(лар) – Қирғиз номи илк бор геэгуь шаклида хитойча «Ханшу» («Хан сулоласи тарихи»; мил. I аср) йилномасида мил. ав. 203 йилги воқеалар баёнида тилга олинади. Қирғизларнинг келиб чиқиши ҳақида турли қарашлар мавжуд, хусусан уларнинг Енисей қирғизлари деб аталмиш халқдан тарқалгани масаласи мунозарали. Қирғизларнинг илк этник тарихи қадимий қабила иттифоқлари (хунлар, дин-линлар, саклар ва усунлар) билан боғлиқ. Турк хоқонлиги ва кўчманчи давлат уюшмалари даврида (VI–X асрлар), кейинчалик қирғизлар таркибига кирган қабилалар Саян-Олтой, Иртиш бўйи, Шаркий Тяньшаннинг туркий аҳолиси орасида шаклланганлар. Қирғизларнинг бир қисми IX–XII-асрларда, катта қисми эса ўрта асрлар давомида ғарбга кўчиб, Иссиққўл атрофлари, Етгисув ҳавзаси, Тяньшан (Тангритоғ) ён бағирлари, Фарғона водийсининг тоғолди худудлари ва Дашти Қипчоқ ўлкаларига бориб жойлашган.

Қирғизларнинг асосий қисми Тяньшан ва Иссиққўл оралиғини макон тутиб, бу ердаги бир неча туркий қабилалар билан биргаликда ҳозирги қирғиз халқини ташкил қилган. Қирғиз халқи таркибига, шунингдек, Етгисув ва Мовароуннаҳрнинг туркий қабилалари, жумладан қарлуқлар ва уйғурлар, кейинроқ мўғул қабилалари, XVI—XVII асрларда эса келиб чиқиши қозоқ-нўғайлар билан боғлиқ қабилалар кирган. Қирғизларнинг бир қисми бошқа туркий халқларнинг этногенезида қатнашган. Хусусан, 92 ўзбек уруғига оид шажараномаларнинг барчасида қирғиз этноними қайд қилинган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бир неча вилоятларида қирғиз номи этнопоним сифатида сақланиб қолган.

Қирғизлар хонлик даврида кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик, айрим туманларда XIX асрнинг иккинчи ярмидан деҳқончилик билан шуғулланган.

¹⁷⁷³ Қипчоқ(лар) – (рус манбаларида – половцы, Византия манбаларида – куманлар) – туркий халқларнинг энг йирик қабилаларидан бири; ўзбек халқи этник таркибидаги асосий компонентлардан бири. Қипчоқлар нафақат ўзбек халқи этногенезида, балки қатор бошқа туркий халқлар — қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, туркманлар, татарлар, бошқирлар, олтойликлар ва Шимолий Кавказдаги айрим халқлар (нўғайлар, кўмиклар, қорачойлар ва б.) шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Қипчоқларга хос этник белгилар усмонли турклар, венгерлар ва б. қатор халқлар таркибида ҳам мавжуд.

Қипчоқларнинг Мовароуннаҳр маданий минтақаларига ялпи кўчиб келиши Шайбонийхон даврида XVI асрда ва кейинчалик XVII асрда аштархонийлар даврида юз берган. Шунингдек, қипчоқлар XVI нинг иккинчи ярми – XVIII нинг бошларида, жунғарларнинг Қозоғистоннинг жанубий худудларига бостириб кириши жараёнида ҳам Зарафшон воҳаси ва Фарғона водийсига кўчиб келганлар. Қорақалпоқлар, қозоқлар билан бирга қипчоқларнинг Ўрта Осиё худудларига кириб келиши икки йўналишда бўлиб, уларнинг бир қисми Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб Тошкент воҳаси ва Мирзачўл худудларида жойлашган. Қипчоқларнинг иккинчи қисми эса Ўрта Зарафшон бўйлаб кетган. XVIII асрнинг 20–30-йилларида қипчоқлар Шимолий Фарғонанинг тоғ олди минтақаларига келиб ўрнашганлар. Фақатгина маълум миқдордаги қипчоқларгина Тошкент воҳасида қолган. Бу даврда қипчоқлар 4 та асосий гуруҳга: қора қипчоқ, сарик қипчоқ, хитой қипчоқ ва қулон қипчоқларга бўлинган. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, майда гуруҳларга бўлинган. Қипчоқларнинг айрим гуруҳлари XX асрнинг бошларигача ўзларининг уруғ-қабилавий бўлинишларини сақлаб қолганлар.

¹⁷⁷⁴ Юсуф бий, Кўкон мингбошиси – 1259/1843 йили шаъбон ойида Кал Шоди фитнаси билан ўлдирилган.

¹⁷⁷⁵ Бий – қабила ёки уруғ бошлиғи.

¹⁷⁷⁶ Сардор – бошлиқ маъносида.

¹⁷⁷⁷ Бек – қабила бошлиғи, оқсақоли, у ҳарбий гуруҳларга ҳам бошлиқ бўлган.

¹⁷⁷⁸ Муҳаммадназарбек ибн Ирискулибий – Муҳаммадназарбек қўшбеги – хонликда бу ном билан иккита Муҳаммадназарбек маълум. Иккаласи ҳам қўшбеги унвонини олган. Бири Муҳаммадназар бий кўрўғли қипчоқ, етти қашқа уруғидан. 1840 йилда Шаҳрихон ҳокими. 1852 йили Худоёрхон фармони билан бу вазифадан олинган. Иккинчиси Муҳаммадназарбек Сақав ибн Ирискулибек минг – Муҳаммадалихон онасининг тоғаси. Шу Муҳаммадназарбек 1842–43 йй. парвоначи унвонида Намангонда ҳоким бўлган. 1852–1853 йй. Хўжанд ҳокими. 1865 йилдан Қошғарга кетиб Яъқуббек давлатида хизмат қилган.

¹⁷⁷⁹ Мулло Холбек – хонликнинг ҳарбий ва давлат арбоби. Мусулмонкули томонидан қатл қилинган.

¹⁷⁸⁰ Ўтаббой/Ўтамбий – 1862 йили вафот этган. Қипчоқларнинг элатон уруғидан. Қурама (1847), Тошкент (1858), Марғинов (1860) ҳокими. 1853 йил қипчоқлар қирғинидан Худоёрхон ҳомийлиги натижасида амон қолган эди.

¹⁷⁸¹ Намангон/Намангон – Фарғона водийсида жойлашган шаҳар. Намангон вилояти маркази.

¹⁷⁸² Андижон – хонлик даврида ҳам вилоят маркази.

Шаҳрихон¹⁷⁸³, Марғинон¹⁷⁸⁴ тарафларга ҳам кўшин юбориб, улар орқасича Саййид Шермуҳаммадалихоннинг ўзи ҳам чексиз сонли кўшин ҳамроҳлигида туни билан йўл босган кўйи жума куни тонгида ғалаба ва зафарга ёр бўлиб, Ашт қўрғонига кириб келди. У ерлар ҳокимининг ҳам кўл-оёғига кишан солиб, бўйнига асирлик арқонини ташладилар. Жума намозини эса ҳазрати бузруквор мавлоно Лутфуллоҳ Чустий¹⁷⁸⁵нинг нурга тўла мозори ёнида адо этиб, ул шариф зотнинг пок руҳларидан мадад тилаганча йўлларини Хўқанд сари солдилар. Хон йўл юриш асносида амир ва саркарда//164^a лардан ҳар бирини бир йўл орқали Сайхун¹⁷⁸⁶ дарёсидан ўтиш учун тайин қилиб, довюрак бу хоннинг ўзи эса шарқ қуёши каби ҳазрати бузруквор шайх Боязид Бистомий¹⁷⁸⁷нинг муқаддас мозори йўли орқали кетди. Шижоат ўрмонининг шерлари бўлмиш ул амирлар ҳиммат камарини қаламга ўхшатиб, белининг юз жойидан маҳкам боғлаган кўйи жадаллик билан олға босиб, дарёнинг ҳар ер-ҳар еридан кечиб ўтдилар ва шанба куни тонг чоғи Навбахор маҳалласи мавзесига етиб келдилар. Қарасалар, манғитлар оёқ-қўлдан тушганча апил-тапиллик билан кўча бошига андаккина кесак-тош кабилар уюмидан пастаккина тўсиқ тиклаб, жанг учун ҳозир у нозир бўлиб туришибди. Саф ёрувчи амирлар эркак шерлар сингари ул нобакорлар тўдаси қаршилигини назарига ҳам илмай ва парвосига ҳам келтирмай, бирданига арабий насли тақовар отлар ва чакмоқ чақинидек тез учар, сахро-ю даштларни елдек кезар тулпорлар қорнига ниқталаб, бахти қайтган ул бедавлатлар томон от солдилар. Душман эса бу ташланганлар томон милтиқдан бирор ўқ узиб-узмасданок улар устига етиб бориб, эгаллаган мавқеларини остин-устун қилганча, ғаним турган жойни қўлга киритдилар. Бироқ манғитлардан кўпчилиги шу ола-тасирда қочиб қутулишга улгуриб, атиги бир нечтасинигина асир олишга муваффақ бўлишди.

Айни шу пайтда довюрак кўшиндан бошқа бир қисм жасурлари Урганжий дарвозаси йўлидан кириб, Тахтапул кўприги панжарасига етишди. Иброҳим Хаёл *манғит* буни кўриб, иш чатоқлигини англади ва ўз навкарларидан бир бўлагини майдонга чиқариб, саросимага тушган кўйи ўзини ҳар томонга ура бошлади. Бироқ душманга рўпара келишга иложи етмай ва урушишга юраги дов бермай, бу қийин вазиятда ўзи учун қочишдан бошқа чорани афзал билмади ва икки-уч минг кишиси билан бирга Қамчилик кечуви ҳамда Мозор йўли орқали қочиш сари тутиниб, шу тариқа Хўжанд¹⁷⁸⁸ йўлига чиққанча орқасига қарамай қочиб қолди. **Байт:**

Сифати зишт нахезад зи накў кардани ном,
Мард набувад зан агар ном ниҳандаш «Ҳайдар».
[Ёмон сифат кетмас номни яхши қилган билан,
Эр бўлмас аёл исмини «Ҳайдар» деган билан].

Шу қочишда Хўжанд қалъасига бориб кирдилар. Қўқондаги шижоатли довюраклар эса қалъанинг барча дарвозаси эшиклари ва ҳар бир кўча ва маҳалла сари етишиб, Янги Ўрданинг ҳам теварак-атрофини қуршаб олиб, камал ишларига киришдилар. Чунки *манғит*нинг қолган-қутган пиёда аскарлари ва марвликлардан иборат икки-уч минг нафарга яқин ёлланма истилочилар Ўрда ичига қамалиб, у ернинг баланд девор ва томларига чиққанча, милтиқдан ўқ отиб, мусулмонларнинг йўлини худди Яъжуж-Маъжуж тўғони¹⁷⁸⁹дек тўсган эдилар. Энди шаҳарнинг бунисига тоқат қилмаган ёш-яланг йигитлари ҳиммат ва қаҳру ғазаб юзасидан Ўрда қалъаси деворининг ҳар ер-ҳар еридан ён бағирлаб ёпишганча турли жойидан тешиклар ўйишга тушдилар ва шу ёриқ-тешиклар орқали ичкарига кириб, шу заҳотиёқ манғит ва марвликларни ушлаган ерда ўлдириб, йўқлик ўлкаси сари равона қилдилар ёки асир олдилар. Шунингдек, ул бадбахтларнинг мол-мулкини бир қолдирмай талаб, ўз тасарруфларига киритдилар. Ўша маҳалда ушбу сўзлар ёзғувчиси, яъни камина Аваз Аттор Хўқандий ҳам бу воқеалар устида ҳозир нозир эдим.

Муҳаммад Назарбек ташқаридан ҳужум қилган мазкур халоскор кўшиннинг сафдар¹⁷⁹⁰ амири бўлиб, шундан сўнг Эски Ўрдага //164^b келиб тушди ва кечаётган ишларни ўз назорати остига олди.

¹⁷⁸³ Шаҳрихон – хон шаҳри. Амир Умархон томонидан Ўратепадан кўчириб келтирилган аҳоли ҳисобидан 1818-1821 йиллари барпо этилган шаҳар.

¹⁷⁸⁴ Марғинон/Марғилон – Фарғона вилоятидаги шаҳар.

¹⁷⁸⁵ Мавлоно Лутфуллоҳи Чустий (ваф. 1572) нақшбандия тариқатининг йирик намояндаларидан.

¹⁷⁸⁶ Сирдарёнинг ўрта асрлардаги номи.

¹⁷⁸⁷ Шайх Боязид Бистомий – Султон Боязид Бистомий – Боязид Тайфур ибн Исо Бистомий (? – Вистом ш. (Эрон)-875) форс суфийлик оқимининг асосчиларидан бири. Тайфурия суфийлик тариқатининг пири. Унинг бобоси исломни қабул қилган зардуштийлардан бўлган, бутун умрини асосан Бистомда ўтказган. Вафотидан кейин уни «Султон ал-орифин» лақаби билан атай бошладилар.

¹⁷⁸⁸ Хўжанд – ҳозир Тожикистоннинг Суғд вилояти маркази.

¹⁷⁸⁹ Яъжуж-Маъжуж тўғони – “Инжил” ва “Қуръон”да тилга олинган махлуқлар. Уни Искандар тўғони – садди Искандарий дейишади. Ривоятлар бўйича бу мустаҳкам тўғон Яъжуж ва Маъжужларга қарши бино этилган.

¹⁷⁹⁰ Сафдар – сафни ёрувчи. Бу ерда лақаб.

Теварак-атрофдаги йўллар боши ва қишлоқларга масъул кишилар тайин қилди. Қаерда қўлга тушган ва асир олинганлар бўлса, келтириб рўйхатга олиш ва ҳибсда сақлашга киришдилар. Бу қоралама битгувчиси, яъни камина пешин намозигача вақт ичида шу иш бошида мутасадди бўлиб, ул баттол қавмнинг бир минг беш юз нафар кишисини зиндон тутқунлигига ташладик. Шундан сўнг аста-секин бошқа кишиларимиз ҳам кўпайиб, энди бизнинг бу ерда туришимизга зарурат қолмади, деган ўйда уй-уйимизга кетдик. Намоз ўқигач ва бироз дам олгач, тинч кўнгил билан тагин бозор бошига келдик. Шунда Саййид Шермуҳаммадалихон¹⁷⁹¹ кўшинининг олди кўриниб, аскарлар тўп-тўп, байроқ-байроқ ва санжоқ-санжоқ¹⁷⁹² бўлиб, тартиб билан юрган кўйи ўта бошладилар. Аҳолининг барча катта-ю кичиги қўлларини дуога очиб, ул улуғнинг ғалабасини тилашга тушдилар. Бироздан сўнг ул шижоат ўрмонининг шери ва ҳидоят унвонининг мукаррам сиймоси ҳам олий ҳимматли шахзодалар ҳамроҳлигида доно ва билимдон уламову фузало қуршовида тўла савлат билан кўриниш берди.

Байт:

Зафар мулозиму, нусрат қарину давлат ёр,
Қавий ба толеву фархунда, пушти истиҳзор.

[Зафар бўлиб мулозим, ғалаба ва давлат ёр ҳолда,

Толеси кучли-ю бахту пуштипаноҳлик ила] - худди офтобдек оламни ёғдуга тўлдирган ва борлиқни равшан қилган кўйи манғитлар зулми бидъатининг қоп-қора тунини сўниш узлатгоҳининг бурчагига қувлаганча тўла улуғворлик иззати ва туганмас салтанат билан келиб, ўзининг ота-бобосидан қолган меросий ўриндиққа ўтирди. Қутлуғ бир соат ва фавқулудда бир вақтда юртнинг омий ва руҳонийси, фуқаронинг фақиру куйи табақаси, элнинг бой-бадавлат фирқаси вакиллари ҳаммаси биргаликда юраклари қувончу шодликка тўлганча зўр хурсандлик ила оқ кигиз устига ўтқазиб, кигизни эса тўрт бурчагидан даст кўтарган кўйи барчаси баланд овозда муборакбодлар қилиб, салтанат тахтига ўтқаздилар. Ҳар бир катта-ю кичикнинг тили ушбу байтни тараннум қилиб, анчагача оғиздан қўймадилар. **Байт:**

Биҳамдуллоҳ ки бозам хусрави гетиситон омад,
Чу Мусо¹⁷⁹³ гўсфандони раиятро шубон омад.

[Худога шукр, яна жаҳон олувчи хоқон келди,

Мусо каби халқ қўйлари учун бир чўпон келди].

Алқисса, мутасадди шахслар ана шу воқеалар билан бўлиб, бир ҳафта-икки ҳафтагача манғитларнинг кейинроқ ушланганлари рўйхатини тузиб, зиндонга ташлаш ишларига ҳам навбат етмади. Қанчаларини эса шу орада ўлдир-ўлдир қилиб, манғитлар ўлиги кўчаву бозор бошларида тикан уюмларидан ясалган хирмонга ўхшаб, тўда-тўда бўлиб ётди. Тирик қолганларини қирғиз ва қипчоқ баҳодирлари қул қилиб сотиш учун бозорга олиб чиқардилар. Аммо халқ уларни сариқ чақага ҳам олмас ва ғайрат юзасидан «буларингиз бир дирҳам¹⁷⁹⁴ га ҳам арзимаса, нима қилайлик ахир» дея, сотиб олиш у ёқда турсин, ўша ердаёқ ўлдиришгача бориб етардилар.

Амир Саййид Шермуҳаммадали Баҳодирхон ва унинг салтанат тахтига чиқиб ўтиргани ҳамда шахар қалъасини қурдиргани зикри

Субҳоний иноят кўмаги ва яздоний муҳаббат ғамхўрлиги орқасида соҳибқирон хон //165^a мақсади ҳосиллик тахти ва давлат суянчиғида шодмонлик билан қарор топгач, ул ҳазратнинг лутф нурлари халқ аҳволи пешонаси ва тақдир манглайи узра таралди. **Байт:**

Жаҳонпарваре шимааш дину дод,

Ҳакиму хирадманду некўниҳод.

Ситамро зиёну адлро суд аз ў,

Худо рози-ю халқ хушнуд аз ў.

[Бир жаҳонпарвар - хислатида дин, адолат,

¹⁷⁹¹ Саййид Шермуҳаммад Алихон, яъни Шералихон (1842-1844). 1790-91 оламга келган. “Мунтахаб ут-таворих” асарининг муаллифи Муҳаммадҳақимхоннинг маълумотиға қараганда Шералихон 2 шаъбон 1260/16 август 1844 йили Муродхон томонидан қатл қилинган. Шунда у 55 ёшда бўлган, 2 йил ва бир ойу 25 кун хонлик қилган. Муродхон 9 кунлик хонликдан кейинг 9 шаъбон 1260/23 август 1844 йили қипчоқлар қўлида Мусулмонқули ва Муҳаммадназарбек раҳбарлигида ўлдирилган. Худоёрхон 24 августда тахтга кўтарилди. Қаранг: Муҳаммадҳақимхон. Мунтахаб ут-таворих / Кириш, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 126.

¹⁷⁹² Байроқ, санжоқ – байроқ, туғ. Бу ерда ҳар бир даста, гуруҳ маъносида.

¹⁷⁹³ Мусо пайғамбар назарда тутилмоқда.

¹⁷⁹⁴ Дирҳам – дирам; 1) оғирлик ўлчов бирлиги. Ўртача вазни 3,235 г га тенг бўлган кумуш танга; 2) Бухоро хонлиги, Эрон, Ироқ, Афғонистон ва Туркияда пул бирлиги бўлган.

Оқил, донову зоти яхшиликка далолат.
Ситамга етар зиён, адолат кўрар суд¹⁷⁹⁵,
Парвардигор бўлур рози, эл эса хушнуд].

Ва ҳумоюн кўнглига ул бахти қаро банги Иброҳим *нойиб* замони айёмидаги ҳодисалар сабабли рўй берган вайронагарчилик қолдиқларини тузатиш ҳамда бу хайр анжомли вилоятнинг барча хосу авомига етган турли-туман ва катта-кичик зарару зиёни бартараф этиш фикри йўл топиб, олий химматини зулм ва зўравонлик сингари ёмон ишлар аломатларини ер юзи майдонидан супуриб ташлаш ишларига киришган бу шафқат хислатли, меҳрга тўла қалбли, олийжаноб, олийнасаб, саййидлик ва руҳоний силсила самараси, шарифлик ва аслзодалик намунаси, улуғлик ва буюклик қоидалари таъсисчиси, давлат ва иқбол посбони, улуғворлик нурларининг матлаъси, буюклик ва саховат аломатлари манбаси, «Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчилар»¹⁷⁹⁶ нинг бошлиғи ва «Агар Аллоҳни севсангиз»¹⁷⁹⁷ йўлининг раҳнамаси, «кофир ва мунофиқларга қарши курашувчи»лар¹⁷⁹⁸ майдони ғозийларининг олдинги қатордагиси, «мушрикларга зарба бериш»¹⁷⁹⁹ майдонининг саф ёрувчиси, Аллоҳнинг ердаги сояси, «сув ва ер» қахрамони, тинчлик ва хавфсизлик сабабчиси, «хақиқатдан ҳам Аллоҳ чиройли амаллар қилишга буюрур»¹⁸⁰⁰ мамлакатининг фармонфармоси, Аллоҳга ибодат қилувчилар ҳимоячиси, Аллоҳ душманларига қирғин келтирувчи, ғалабалар даракчиси, душман устидан ғолиб, ҳар бир бандага ғамхўр ҳомий, Аллоҳ ҳаққини адо этувчи банда, нусрат ва иқтидор вилоятининг волийси, вилоят бахш этгувчи олий шавкат ва юксак кудрат эгаси, ислом байроғини ўрнатувчи, куфр ва зулм туғларини ер билан яксон қилувчи, олий ҳазрат, рафеъ манзилат, Сомий мартабат, Искандар ҳашамат, Доро дарбон, қадри кудрати тақдиру қазо тавон, жанг майдонининг душман ўлдирувчиси, ор-номус йўлининг заҳматкаши, Фаридун насабли, Доро хислатли, Хушангдек хушёр, Баҳром савлатли, Буржис саодатли, зафар ва ғалабалар отаси, яъни Амир Саййид Шермуҳаммадали Баҳодирхон ибн Ҳожибек ибн Абдурахмонбек ибн Абдулкаримбек ибн Шаҳрухбек ибн Ашурхон ибн Ҳожихон ибн Рустамбек ибн Шаҳрух султон ибн (халқ бугунги кунда Чамаш ва Ҳожи бий номи билан атаб қабрини табурурук юзасидан зиёрат қилувчи) Шаҳмаст ибн Асилзода ибн Абулқосим ибн Муҳаммадамин ибн Худоёр султон ибн Султон Илиқхон ибн Олтун бешик //165^б ибн Муқим Мирзо ибн Муҳаммадҳақим Мирзо ибн Ҳумоюн подшоҳ ибн Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ибн Мирзо Умаршайх ибн Султон Абу Саид ибн Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳ ибн Амир темур Кўрагон ибн Амир Тарағай ибн Амир Баркал ибн Амир Амнак ибн Амир Инжил ибн Қарожор нўён. **Байт:**

Қарожор нўён ибн Аманд,
Ба Чингизи кишваркушой ҳаманд.
Қарожар Чингиз ибн Аманд,
Ки аз Ёфаси Нўх ибн Одаманд.
[Қарожор нўён ибн Аманд,
Юрт олувчи Чингиз билан бирдирлар.
Қарожар Чингиз ибн Аманд,
Нух Ёфаси ибн Одамдандирлар].

Ибн амир Суйғуж ибн Амир Бурқа ибн амир Барлосхон ибн Қочурбийхон ибн Бартонхон ибн Қабилхон ибн Тумонхон ибн Бойсунғурхон ибн Қайдухон ибн Зутаминхон ибн Буқохон ибн Бузанжирхон ибн Элхон султон ибн Чўбинахон ибн Менглихон ибн Ойхон ибн Офтобхон ибн Темуртош ибн Қаёнхон ибн Элхон ибн Юлдузхон ибн Мўғулхон ибн Тоторхон ибн Аланжахон ибн Илёсхон ибн Боқаро ибн Турк ибн Ёфас ибн Нух *алайҳисалом* мазкур мақсадни амалга оширди. Мана энди ушбу аснода ул жаҳон шоҳининг воқеалари баёни васфидан бир бўлагини қисқача тарзда таҳрир доираси ва ёзув тизимига киритилса, жуда ўринли бўлади. 1216 йили¹⁸⁰¹ амир Олимхон отаси ўрнига хонлик салтанати тахтига ўтирган пайтда ул довюрак амирнинг амакиси бўлмиш амир Ҳожибекдан хавфсирагани учун ўз жонини сақлаш ниятида ул бегуноҳ мазлумни шаҳидлик даражасига етказди. Ва ул шаҳид амирдан уч нафар яхши хулқли ўғил отасига ўринбосар бўлиб ёдгор қолди. Уларнинг номи қуйидагича: Бекўғлибек, Каттабек ва Шералибек. Амир Олимхон бир неча вақт уларни ўз ёнида сақлаб, аммо қўриқлаш учун посбон тайинлаганди. Қазову қадардан бўлиб, бир куниси ул толе

¹⁷⁹⁵ Суд – фойда.

¹⁷⁹⁶ Қуръони карим, 2:218.

¹⁷⁹⁷ Қуръони карим, 3:31.

¹⁷⁹⁸ Қуръони карим, 66:9.

¹⁷⁹⁹ Қуръони карим, 6:106.

¹⁸⁰⁰ Қуръони карим, 16:90.

¹⁸⁰¹ 1216/1800 йии.

юлдузли яхши хушсйратлар вақтни холи топиб ва фурсатни ғанимат билиб, Чихокчи хўжа деган бир кишини ўзларига қўшиб, «Аллоҳга таваккал» сўзини дилга маҳкам жойлаган кўйи мана бу байтга мутаранним бўлдилар. **Байт:**

Мо бо мурод бар сари гардун ниҳем пой,
 Ё мардвор дар сари кунда кунем сар.
 [Биз мурод ила гардун бошига қўямиз оёк,
 Ё мардларча кундага қўярмиз бош].

Шу байт мазмунича Каттабек билан Шермуҳаммадалихон Андижон йўли орқали Талас мавзесида ўтирган *қирғиз* халқи орасига қочиб кетиб, соғ-саломат ул мавзегга етиб олдилар. Анча йиллар, аниқроғи, қирқ беш йилга яқин ўша ерда истиқомат қилиб, уй-элатлик бўлдилар ва жуда кўп молу мулк тўпладилар. Улардан камолотли ўғил ва соҳибжамол қиз фарзандлар дунёга келиб, ана шундай фаровон турмуш билан тўла иззат-икромда ҳаёт кечирдилар. Чунончи бир туркий байтни ана шунга муносиб билиб, бу ерда келтирмоқни лозим топдик. **Байт:**

Сен азиз этган қулингни, ҳеч вақт хор айламассан.
 Агар хор айласанг ҳар ерга ки //166^a борса хордур.

Ҳазрат ҳакими мутлақ ва улуғвор буюклиги ҳақ ҳокимнинг иродаси ўзининг боҳира ҳикмат ва қоҳира ҳукми тақозоси билан «ҳар бир нарса ўз аслига қайтади» ҳадиси мазмунига кўра, ота-боболари ўринбосарлигига етказиб, тожу тахт салтанатига сазовор қилиб, ўз яқинлари орасида мумтоз ва сарафроз қилмоқчи бўлса, аввало мана бу маънини муҳайё қилади: теварак-атрофни шундай бир тарзга келтирадиги, қаерда уруш марди майдонлари ва жаҳон сақловчи оқил одамлар бўлса, Аллоҳнинг ўша танлаган кишиси атрофига йиғилдилар. Ва «Бўл деди, ва у бўлди»¹⁸⁰²нинг яратувчиси «истаган кишининг азиз қилурсан»¹⁸⁰³ ўриндигига ул хушбахт шер сийрат кишининг ўтиришини насибу рўзи қилмоқни хоҳлайди. Шу маънига мисол таризда ўша вақтда Фарғона вилоятидаги бузуқчилик ва жабру ситам воқеалари хабари ул диловар амирнинг хушли қулоғига етиша бошлади. Бу масала юзасидан ён-атрофидаги жойларга одам юбориб, улус катталарини йиғди ва уларга рўй бераётган воқеа юзасидан маслаҳат солди. Ул жамоа ўртага ташланган таклифни бажону дил қабул қилиб, *қирғиз*, *қипчоқ*, *қозоқ*¹⁸⁰⁴ ва *қалмоқ*¹⁸⁰⁵ аймақларининг ҳар бир жамоасидан

¹⁸⁰² Қуръони карим, 3:59.

¹⁸⁰³ Қуръони карим, 3:26.

¹⁸⁰⁴ Қазоқ (лар) – Қозокнинг этногенези турли кўчманчи қабилаларнинг узок муддат давомида аралашуви шароитида кечган. Уларнинг қадимий аجدодларига саклар, усунлар ва б. кирган. Милоднинг бошларида Орол денгизидан ғарбда қозоқлар этногенезига таъсир кўрсатган аланлар яшаган. VI-VII асрларда Қозоғистоннинг жанубий-шарқида яшаган қабилалар Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида бўлган. Бу даврда шарқдан туркашлар, телелар, қарлуқлар ва б. келиб жойлашган. XII-асрнинг бошида Қозоғистон ҳудудига қорахитойлар (киданлар) бостириб кирган, улар маҳаллий туркий аҳоли билан аралашиб кетган. XIII аср бошида мўғуллар истилоси даврида Мўғулистон ва Олтойдан найманлар, кераитлар ва б. қабилалар кириб келган. Олтин Ўрда парчаланиши билан XV асрлар ўртасида, Ўзбек хонлигидаги ўзаро низолар натижасида бу қабилаларнинг катта қисми Жануб-Шарққа, Мўғулистон давлати таркибига кўчган. XVI асрнинг бошида ғарбга қайтиб келган қозоқ қабилалари Қозоқ хонлигига бирлашган (ўзбек қабилалари Шайбонийхон бошчилигида Ўрта Осиёга кетган). Шу билан қозоқ элатининг шаклланиш жараёни тугалланган. Қозоқларнинг қабила-уруғлари тарихан учта гуруҳга бўлиниб, алоҳида ҳудудларда яшаганлар. Улар жузлар деб аталган. Асосий машғулоти кўчманчи чорвачилик, фақат жанубидаги (Сирдарё бўйидаги) баъзи воҳаларда суғорма деҳқончилик бўлган.

¹⁸⁰⁵ Қалмоқ (лар) – Қалмоқлар/Жунғорлар/Ойратлар – Жунғориядаги ўрта аср давлати (1635–1758). Или водийсида яшаётган ойротларнинг чўрос улуси вакили Ботур хунтайжи раҳбарлигида Ёркенд хонлигидан ажралиб чиқиши натижасида барпо этилган давлатнинг асосий аҳолиси. Цеван Рабдан (1697–1727) ва унинг ўғли Галдан Церен даври (1727–1745)да қалмиқлар қайта кучайган. Шу даврда улар Мовароуннахр ҳудудларига ҳам бостириб кирган. Улар Цин империяси билан тинчлик алоқаларини ўрнатиш ва ташқи сиёсатдаги фаолликни Ғарб томонга қаратиш ҳамда Ёркенд хонлиги устидан ойротлар ўрнатган назоратни кучайтириш сиёсатини олиб борган. Бироқ, Цин империяси Мўғулистонда ўрнашиб олгач, ойратларга қарши кураш бошлаган, жумладан, 1717 ва 1731 йилларда икки марта катта қўшин билан ҳарбий юриш қилган. Аммо, бу юришлар мағлубият билан тугаган. Ойротлар биринчи марта Олтой томондан, иккинчи марта Тибет томондан айланиб ўтиб, Хитой қўшини муқаддимасини орқа тарафдан узиб қўйиш хийласини ишлатиб, кам куч билан катта армия устидан ғолиб чиқиб Цин империяси режаларини барбод этган. Цин ҳукумати ойратлар билан сулҳ битими тузишга мажбур бўлган (1741).

XVIII аср ўрталарида ойрат хонлигида ички зиддиятлар кучайган. Ҳокимият талашувчи кучлар ичида Цин ҳукумати ёрдамида мақсадга эришмоқчи бўлган шахслар пайдо бўлган. Амурсана Цин сулоласи учун мақбул шахс деб топилган. Аммо, у Цин сулоласининг ойратларни бутунлай йўқотишга қаратилган махфий режасидан беҳабар бўлган. 1755 йил баҳорда Цин империяси ойратларга қарши 50 минг кишилик қўшин билан уруш бошлаган. Қўшин авангардига Амурсана бош бўлган. Ойратлар хонлиги йўқ қилинган, лекин Амурсанага тахт берилмаган, у махфий кўрсатма билан Пекинга чақиртирилган. Алданганини билиб қолган Амурсана ўзини хон деб эълон қилиб, Цин салтанатига қарши кураш бошлаган, бироқ мағлубиятга учраб Россия ҳудудига қочиб ўтиб, мусофирликда вафот этган. Жунғорларнинг сўнгги хони Давақи Пекинга олиб кетилиб зиндонга ташланган. Ойратлар хонлиги барҳам топгандан кейинги ички ва ташқи вазият Цин империясига Шарқий Туркистондан нарига ўтишга имкон бермаган. 1758 й. Ёркенд хонлиги ҳам йўқ қилинган. Шундан кейин Ойрот ва Ёркенд хонликлари ҳудудида Цин ҳукумати томонидан ҳарбий-маъмурий тузум ўрнатилган.

сон-саноксиз ва беҳисоб лашкар, балки Яъжуж-Маъжуж фирқасидан чигиртка-ю чумолидан ҳам кўпроқ қиёмат аломатли кўшин йиғилди ва худди жаҳон олувчи Чингизхондек ўз жойларидан кўзғалиб, журъат қадамни илгари ташлади. Неча бир тоғлару биёбонларни босиб ўтиб ва кўпириб тошган дарёлардан кечиб, Намангон вилоятига кириб келдилар. **Байт:**

Онро ки худой давлате хоҳад дод,
Ногоҳ зи сангхора берун оварад.
[Худо кимга давлат бермоқчи бўлса, ўшани
Кутилмаганда метин тошдан чиқариб олади].

Ул музофотнинг барча ерларини ўша кунисиёқ ўз тасарруфи доирасига киритиб, манзилу мақсад сари юзландилар ва неча бир шону шавкат билан Сайхун дарёсидан кечиб ўтиб, тўла улуғворлик билан ва олдиға пешвоз чиққан хурматга сазовор амирлар ҳамкорлигида Хўқанди латиф доруссалтанасида хонлик Ўрдасига кирди ҳамда амирлар ул бахтга ёр амирни иззат нишонли тахтга ўқаздилар. Иброҳим Хаёл *мангит* эса бир кам саксон кун ҳукумат юргизиб, садқаи шаҳар кетсин, дея жуфтакни ростлаб қолди. Юқорида бунинг воқеасини батафсил зикр қилган эдик. **Байт:**

Нуктаи ў ҳам нав аст, ҳам куҳан аст,
Сухан асту дар ин суҳан, суҳан аст.
[Унинг ҳикмати ҳам янги, ҳам эскидир,
Сўз-ку сўз, сўзда ҳам сўз бор-да].

Ул жаҳон олувчи ва жаҳон сақловчи жаҳонгир малик ул-жаббор Худонинг амри билан бахтли бир соатда жаҳонбонлик тахтига ёнбошлаган кўйи ором ва қарор топгач, қайтадан Бобурия хонадони кўлига ўтган давлатга адолат зевари билан зебу зийнат бағишлади. Кулфат ва меҳнатдан яраланган бечоралар дилига янгидан малҳам босиб, уларнинг касаллик ва хасталикларини «мўъмин қавм қалбини қондириб, кўнгилларидаги ғам-андуҳни кетказди»¹⁸⁰⁶ ҳолатга айлантди. Бахшиш ва саховат кўлини халойиқнинг барча табақаси сари очиб, катта-ю кичикнинг барисини ўзидан рози ва хурсанд қилди ва «эхсон эҳсоннинг қулидир» мазмунига кўра, ҳаммага сарафрозлик бағишлади. //166^б **Байт:**

Аз он омади бар сари ин сарир,
Ки афтодагонро шави дастгир.
[Бу тахт устига келишинг сабаби,
Йиқилганларни турғизиш учундир].

Ўша куниси уч мингга яқин *мангит*ни ушлаб, кўпчилигини шу заҳотиёқ қатлга етказдилар. Ва қайси бир вилоятда *мангит*дан қолган сипоҳилар бўлса, ерлик халқнинг ўзи ўша мавзедаёқ несту нобуд қилиб, кулини кўкка совурди. Мазкур кунларда кўрнамак Маҳмуд хожа¹⁸⁰⁷ ни ҳам неча бир укубат ва азоб исканжасига олиб, асфалаасофлин дарғаҳига равона қилиб, кўнгилларини душманлар вужудидан фориғ этдилар. Шундан сўнг маслаҳатга кўра шаҳар атрофини ўраб турган қалъа таъмири учун киришдилар. Чунки, жаннатга менгзар шариф Хўқанди латиф бино бўлгандан бошлаб то шу кунгача бир юз йигирма йил ўтиб, боғу бўстонлар, майдону гулистонларда одамлар ором олиб, бўрилар нарига қочиб, барча фақиру фуқаро осойишталик ва фароғатда тинч яшаб, ҳеч бир томондан дўсту душманнинг хавфини тортмай ҳамиша шаҳар фуқароси ва аҳолиси айшу ишратга машғул бўлиб, боғистону далаларда бемалол сайру гаштак қилар ва ўз даврининг подшоҳи ҳаққига дуолар қилардилар. Муҳаммадалихоннинг ҳаёти заволга юз тутиб, беминнат баҳона ахтарувчи Эгам ўзининг карам шеvasи билан қазову қадарни шу ишга тайинлашни истагач, шаҳарни палид *мангит* кўли остига ўтказиб, ул мазлумларнинг шаҳидлигига сабабчи қилди.

Неъмат берувчи Алоҳга шукрларким, 1258 йили¹⁸⁰⁸ ҳар нарсага эриштирувчи қудратли малик ул-маннон ва тавфиқотларга кон, раҳмдил ва меҳрибон Аллоҳ иродаси ва салтанату шавкату қудрату ҳашмату улуғлик ва баландлик ва етуклик ва адолат ва жалолат ва марҳамат ва мукаррамат ва меҳрибонлик ва шафқат ва иззат ва иқбол ва эҳсон қуёши:

Байт:

Жаводи мутлақу қутби ҳудо, ханифи қавм,
Имоми миллату султони муташарриъу шоҳи замон.
Ситора жуюшу хуршид роӣу, гардун қадр,
Саҳоби бахшиш, дарё дилу сипеҳр тавон.
[Мутлақ саховат эгаси, қавмнинг йўлбошчи қутби,

¹⁸⁰⁶ Қуръони карим,9:14.

¹⁸⁰⁷ Маҳмуд хожа – Муҳаммадалихон ва унинг укаси Султон Маҳмудхонни тутиб олиб, амирга етказиб беришда “жонбозлик” кўрсатган амалдор.

¹⁸⁰⁸ Милодий 1842 йили.

Миллат имоми-ю, шариат султони ва замон шоҳи.

Юлдузлар сонича лашкарли, қуёш раъйли, осмон қадарли,

Бахшиш булуту, денгиз қалбли, фалакдек қудратли], яъни амир Саййид Шермуҳаммадали Баҳодирхон *Аллоҳ таоло давлати ва султонлигини абадий қилсин* номи билан боғлиқ ҳолда баланд ва метиндек мустаҳкам, катта қалъа барпо қилинди.

Алқисса шаҳарнинг бой ва шариф кишиларининг бариси ҳамда фақиру фуқаро бу масалани қабул қилиб, ҳиммат камарини бир неча ердан қаттиқ ва маҳкаму устивор қилиб боғлаб, таъмир ишларига киришдилар. Амири кабир ўз томонидан илгари Муҳаммадалихон ҳукуматида ишлаган савил қолгур Мўъминқул ва Мирзо Исмоил деган икки нафар қизилбош шия навкарларни шу иш бошига саркор¹⁸⁰⁹ қилиб қўйди.

Қалъа қурилиши каби бу ваҳшат асарли, даҳшат назарли хабар ул зоти паст ва уяти йўқ амир Насруллоҳнинг қулоғига етишиб, дарҳол ўзига қарашли ён-атроф ерларга тез юрар чопарлар //167^a юборди ҳамда жуда қисқа бир фурсат ва тез бир вақт ичида сон-саноксиз қўшин тўплаб, йўлга тушди. Муҳаммадариф *отолиқ*¹⁸¹⁰ қа ҳам Тошкент, Дашти Қипчоқ¹⁸¹¹ ва Қурама томондан журъат қадамини Хўқанд сари ташлаш борасида ҳукм берди. Бир томондон Бухоро подшоҳи ва иккинчи тарафдан Дашти Қипчоқ лашкари йўлида учраган барча нарсани оёқ ости қилиб, Хўқанд томон кела бошладилар. Халқни ажиб бир ваҳима босди. Фуқаронинг кўпчилик кўрқоқ гуруҳи қочиш йўлини тутиб, кўч-қўлонини Кошғар вилояти сари орқалаб, отлари жиловини ўша томон бурдилар. Қолган-қутгани Ўш вилоятига кетиб ўрнашдилар. Амири кабирнинг шахсан ўзи қалъанинг қурилиш ишлари бошида туриб, кўзининг нури Саримсоқбекни эса Юсуф *мингбоши*¹⁸¹² билан бирга катта кўшинга бош қилиб, ул мағрур кеккайганлар йўлини тўсиш учун юборди. Улар шаҳардан ташқари чиқиб, шаҳардан тахминан етти фарсахча наридаги Халта қишлоқ мавзесига бориб тушдилар ва ул номардни йўқ қилишга шай бўлиб турдилар.

Энди бу томондаги гапни эшитсангиз, ҳали эслатганимдек, амири кабир ҳалиги икки нобакор ғаддор шияга ишониб, уларни иш бошида қўйган эдилар. Булар амир Насруллоҳнинг келганини эшитиб, унинг давлатхоҳлигини ихтиёр қилиб, қалъанинг қурилиш ишлари жабҳаси тақсимини бир ҳафта орқага сурдилар. Ихлос ва эътиқод билан ўн кун, ўн беш кундан бери ён-атроф ва чўлу тоғладан келиб ётган мусулмонлар эса ҳар кун ул бадният итлар олдига бориб, иш тақсимлаб беришни сўрардилар. Улар эса бугунни эртага, эртани индинга суриб, ишни ҳадеб пайсалга солаверишди. Яхши ниятли бу ихлос йўлидаги кишилар қарашса, ул таги пастларнинг нияти бошқача. Ҳаммаси биргалашиб, ҳар иккала ҳаромзода қизилбошни тош остига олиб, абадий тўшбўрон тагида қолдирдилар. Амири кабир қайтадан ўзининг ишончли давлатхоҳларидан бир нечта кишини ишбошилиқ вазифасига тайинлади. Ўн саккиз кун давомида мустаҳкам ва маҳкам қалъанинг қибла йўли томонини икки жанубий ва шимолий томонлари билан бирга учи осмонга тегадиган даражада юқори кўтариб, Искандар тўғонидек қилиб қурдилар. Қолган ерларини жийб боғлаб, душманга қарши тап-тайёр туриш учун барча фақиру фуқаро, сипоҳ ва халқнинг бариси ҳиммат камарини белига боғлаб, қалъани сақлаш ишига сафарбар бўлдилар. **Байт:**

Қалъаву хандақу дарвоза ба Фарғона набуд,

Омад Шермуҳаммадали хон кард бино.

[Фарғонада қалъа, хандақ, дарвоза йўқ эди асло,

Келиб Шермуҳаммадалихон қилди барин бино].

Гапнинг қисқаси шуким, **шеър:**

Амири кабир аз рўи жадду жаҳд бинои қалъа пардохтанд,

Ва он золими бадният ба қаҳру ғазаб қалъа вайрон сохтанд.

[Амири кабир жаҳду жадал билан қалъа бино қилдилар,

Ул шум ниятли золиму ғазаб-ла қалъа бузғучилар] – келиб, Маҳрам мавзесига кўнишди. Дашти *қипчоқ* томондан //167^b Муҳаммад Шариф *отолиқ* ҳам кўп сонли қўшин билан етиб келиб, Қамчиқўрғон мавзесига тушди. Амири кабир ўзининг ғайрат ва довюрлик хислатига биноан қариндошлиқ яқинлиги ва давлатхоҳлик сифатларига эга яхши сийратли Муҳаммад Назарбек ибн Ирисқулибекни ўша тарафга ул кўрнамаклар йўлини тўсиш учун юбордилар. Булар ҳам ҳар қабила ва

¹⁸⁰⁹ Аслида саркор – хон хазинасига келими тушадиган ер, мулк, корхоналар, раста ва бозорлар, кечувлар устидан назорат қилувчи амалдор. Бу ерда ишбоши сифатида.

¹⁸¹⁰ Отолик/атолик/оталиқ – тахт эгаси ёки ворисининг ота ўрнидаги маслаҳатчиси, мураббийси (регент). У(лар) давлатда энг кучли бўлган қабила бошлиқлари ёки ижтимоий табақа вакилларида тайинланган.

¹⁸¹¹ Дашти Қипчоқ – тарихий-жуғрофий ҳудуд сифатида Марказий ва жанубий Қазоғистоннинг ерлари.

¹⁸¹² Мингбоши – Қўқон хонлигида олий ҳарбий унвон, ҳарбий вазир. Минг нафар сарбознинг бошлиғи.

сарҳаддан сон-саноксиз лашкар йиғиб, Қирчинқўрғон йўли билан Сайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Ғурумсарой¹⁸¹³ қалъасини лашкароғҳ мавзесига айлантирдилар ва шу ерда қарору ором топдилар.

Энди икки оғиз сўзни амири кабирнинг катта ўғли амири лашкар Саримсоқбекдан эшитинг. Жаноб амирзода чексиз қўшин билан бирга ул мағрур кеккайганлар қаршиси томон юриб, Халта мавзесида истқомат байроғини тикди. Бухоро амири бу ҳолдан воқиф бўлиб, буни писандига илинтирмасдан хонзода устига катта лашкар жўнатди. Довюррак хонзода ғайрат ва зўрлик ҳиммати билан ул номуродлар сари мардлик панжасини сармаб, шундай бир жанг қилдики, Рустами дoston¹⁸¹⁴ ва Сом ибн Наримон¹⁸¹⁵ замонида ҳам бундай шиддатли ва аёвсиз кураш рўй бермаганди. Буни кўрган кўрар кўз аҳлининг бариси хонзодага бир овоздан таҳсин ва офаринлар айтишиб, душман аҳли эса ҳасрат лабини тишлаб, алам тишини ғижирлатдилар. Чунончи бу борада шоирлардан бири айтмиш.

Маснавий:

Бикуштанд чандон зи *манқит* чунон,
Ки гил шуд ҳама хок аз хунашон.
Пур аз кушта шуд арсаи размгоҳ,
Чунон гашт бар он душмани сиёҳ.
Чунон тез шуд оташи корзор,
Гаҳ мехост гардун ба жон зинҳор.
Ғиреве зи кабурга бидарид гўш,
Ба по андар афтод сарҳо зи дўш.
Зи бонги сипаҳ гўшҳо хийра шуд,
Зи гарди сутурон назар тийра шуд.
Ту гуфти ки дарё ба жўш омада аст,
Наҳанги бало дар хурўш омада аст.
Зи бас кушта афтод дашти куҳин,
Замин пушта шуд то ба чархи барин.
Зи бaсе хун ки аз куштагон шуд равон,
Жаҳон гашт дарё карон то карон.
Гурўҳе бидоданд сар дар ситез,
Гурўҳе ниҳоданд рў дар гурез.
[Манқитни шундай қирдиларки,
Қонларидан тупроқлар лой бўлди.
Жанг майдони ўликка тўлди,
Ул бахти қаро душман шу кўйга тушди.
Уруш олови шу қадар гурилладики,
Гардун жонидан айиришга оз қолди.
Сурнайлар саси кулоқни тешарди,
Бошлар елкадан узилиб ерга тушарди.
Қўшин суронидан кулоқлар битди,
Отлар чангидан кўзлар қоронғулашди.
Гўё денгиз кўпирган каби эди,
Бало аждаҳоси бўкирарди.
Эски дашт жуда кўп ўликка тўлди,
Ер осмонгача улардан қат-қат кўтарилди.
Ўликлардан оққан қондан,
Олам бошдан-оёқ қон денгизи бўлди.
Қай бир гуруҳ жангда бош тикди,
Қай бир гуруҳ юзин қочмоқ сари бурди].

Алқисса қаҳрамонларнинг тошни тешар найзаси ва баҳодирларнинг бурро шамшири душманларнинг бошини танасидан улоқтириб, кўксини нечта жойидан яралаб, уларни майдон ўртасидаги копток ва тупроққа айлантиришга киришдилар. Душман бундай жангга дош бера олмай, юзни мақсуддан ўгириб, довюрракларнинг тошни тешар найзалари учига орқаларини қаратган кўйи қочиш йўли сари тутиндилар. Сафни ёрувчи ботирлар душманларни таъқиб қилиб, тахминан уч

¹⁸¹³ Ғурумсарой/Хуррамсарой – Фарғона водийсидаги Намангон вилояти, Поп туманидаги қишлоқ.

¹⁸¹⁴ Рустами дoston – “Шоҳнома” асаридаги Рустами дostonга ишора.

¹⁸¹⁵ Сом ибн Наримон – “Шоҳнома” қаҳрамонларидан. Фаридун ва Манучехр замонларида Мозандаронда Заҳҳокка қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатган (қар.: “Шоҳнома”, I. – С. 615-619? 637/)

фарсахгача Маҳрам мавзеси томон қувлаб бордилар. Уларнинг шу аснода «орқамиздан албатта туғ ва байроқ ва лашкар сардорлари ҳам //168^a кетма-кет келаётибди» деган умидлари бор эди. Бирок қарашса «оёқ изи бору Ҳайдарнинг ўзи йўк!» Йўл аро қимирлаган тирик жондан ҳеч бир белги-ю асар кўзга чалинмайди! Ул бечораларнинг дилига кўрқув ва ваҳима тушиб, отлари бошини орқага буриб, келган йўллари сари равона бўлдилар.

Шу аснода насаб жиҳатдан *мингларга* қариндош ва уруғ-аймоқ бўлган Ургут¹⁸¹⁶ лашкари ҳешу таборлик юз-хотирини қилмасдан ўрдак галаси устига ташланмоқчи бургут сингари пистирмада фурсат пойлаб ётаркан, музаффар лашкар воқеасидан хабар топиб, ўзларини ғалаба аломатли лашкарнинг қалб қисмига урдилар ва уларни тум-тарақай тарқатиб юборишга эришдилар. Бундай қариндошлик ҳаққини танимаслик борасида шайх Саъдий қуйидаги байтни айтган эканлар. **Байт:**

Ҳар ки аз дасти дигар нолад,
Саъдий аз дасти хештан фарёд.
[Бошқалар ўзгалар дастидан нолиса,
Саъдий ўз яқинларидан дод дейди].

Тўсатдан юз берган бу ногоҳоний ҳамла чоғи жангчилардан бир юз тўксон нафарга яқин киши ўзларининг қариндошлари қўлига асир тушдилар. Ургутлик *минглар* бу уруғдошларини бераҳм амир Насруллоҳ олдига элтдилар ва ул бадқирдор амир эса бечораларни эртаси куни бир ерга бир тўп қилиб йиғнаб, Шўртепа мавзесида шахидлик даражасига етказди.

Бу надоматли ҳодиса билан боғлиқ яна бир воқеани хушхиром қалам шундай шарҳлайди: Ул шижоат ўрмонининг шерюраклари қочоқлар кетидан қувишга тушган маҳалда илгари Муҳаммад Шариф *отолқнинг* тарбиясини кўрган ва Тўрақўрғонда *ясовулбоши*¹⁸¹⁷ лик амали билан бошини осмон тутиб юрган Кўчар исмли бир баттол юз¹⁸¹⁸ амири кабир *қирғизлар* билан ул тарафдан келиб, Намангон ва Тўрақўрғонни фатҳ этган пайти амири кабир ёнида Хўқандга келиб, хизмат камарини белига боғлаб, амирлар қаторида юрганди. Амири кабир эса унга бўлган ишончи юзасидан мазкур лашкарда қўшиннинг *туғбеги*¹⁸¹⁹ си қилиб юборган эдилар. Ана шу узоқни кўра билмас ақлсиз бадбахт хом хаёл ботқоғига ботиб, байрақ туғини олиб, дарё бўйига қочганча Ғурумсарой томонга бадар кетди ва Сайхун дарёсидан ўтиб, Муҳаммад Назарбекка кўшилди.

Довюрак амирзода Саримсоқбек амир Юсуф *мингбоши* билан бирга катта қўшинга бош бўлиб, соғ-саломат шаҳарга қайтиб келди ва қалъанинг чала қолган ерларини битказишга киришди. Бухоро подшоси ҳам улар кетича келиб, мазкур сананинг чаҳоршанба куниси қалъанинг қибла юзига яқинлашди ва шаҳарни қамал қилди. Ўша куни ва эртасига, яъни пайшанба куни қалъа остида душман қораси кўзга чалиниб, ҳар ер, ҳар ердан кўриниш бера бошлашди. Бу томондан ҳам ер тишлатувчи мерган¹⁸²⁰ лар тўп ва туфанг отишга тушиб, яқин келган душманлардан бир нечтасини қора тупроқ узра қулатиб, ер билан яксон қилдилар. Душман бундай мудофаа жангига дош бера олмаслиги ва қалъанинг бу тарафидан иш чиқара олмаслигини англаб, жума куниси //168^b ўзини қалъанинг жанубий томонидаги Саритол мавзесида олди. Саритол дашт юзининг сўлим ери бўлиб, шаҳар суви ҳам ўша томондан келади. Қалъанинг ул тараф қисмидан ҳали анча ўпирилган ва қулаган жойлари битмай қолганди. Шанба куниси саҳар вақти Бухоро амири хом тамъалик билан лашкарни қалъанинг бешта дарвозасига тайинлаб, бор овоз билан сурон солганча қалъа сари хужум уюштиришни буюрди. Замину замон ва макину макон ва ғайратсизу нотавон одамлар қалби ларзага келиб, изтироб ўчоғида симобдек сокин туриш ва ором олиш учун бирор турар жой топа олмадилар. Ўша вақтда ҳимматли йигитлар ва шижоат аҳли орасидаги мерганлар тўп ва туфанг билан бирга ҳар бир девору эшикдан ҳамда ҳар бир дарахту бутуқ тагидан жой олиб, уларни душман устига қарата отишга киришдилар. Ҳеч қанча вақт ўтмай, душманнинг юзи тескари дўниб, қалъа девори тагидан узоқлаша бошлади. Қалъа ичидаги кўркмас ёш-яланглар эса деворнинг ҳар бир бурчаги-ю тешик-

¹⁸¹⁶ Ургут/Урғут – бугунги Ургут, Самарқанддан 30 км. узоқликда жойлашган шаҳар, туман маркази.

¹⁸¹⁷ Ясовулбоши – ясовул отлик ва пиёда сарбоз (ясо бажарилишини назорат қилувчи сарбоз)ларнинг бошлиғи.

¹⁸¹⁸ Юз(лар) – қабиласи – Ўратепа шаҳри, Зомин, Бахмал, Булонғур атрофи билан биргаликдаги ҳудудда жойлашган кучли қабилла бўлган. Улар қирқ қабиласи билан бирга ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири. Тарқоқ ҳолда Самарқанд атрофида, Панжикентнинг жанубида, ҳозирги Ғаллаорол, Жиззах, Зомин ва Ўратепа ҳудудларида яшаганлар. Қирқ уруғи кўпинча юзлар билан аралашган ҳолда яшаганлар. Шунинг учун ҳам кўпгина манбаларда “қирқ юз” номи билан ҳам маълум. Қирқ, юз ва минг қабилалари марқа деган умумий ном билан аталган. Қирқларнинг этногенези Дашти Қипчоқ ўзбеклари билан боғлиқ. Қирқлар ўтмишда бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари: оқ-қўйли, қора-қўйли, қора-сирак, қорача, олмаса-ун, чапарашли ва б. Улар XX асрнинг бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, чорвачилик билан, бир қисми тоғ ён бағрида, адирларда яшаб, лалмикор ва суғорма деҳқончилик билан шуғулланишган.

¹⁸¹⁹ Туғбеги – бир туғ/туқ, дастанинг бошлиғи, қумондони.

¹⁸²⁰ Мерган – туфанг билан қуролланган сарбоз ва отлик аскар, ўқчи.

ёриқларидан ташқарига отилиб чиқиб, душман устига ташландилар ва қўл жангига ўтиб, аъдони улоқдек у ёқдан, бу ёққа тортқилаб, юзма-юз курашнинг ақл бовар қилмайдиган даражадаги намунасини кўрсатдилар. Ҳатто душман сарбозларининг оғзидан пуфлаб турган карнай ва сурнай, қўлларидан эса чалиб юрган табл ва ноқораларини тортиб олардилар. Ҳар бир қўшдан беш, ўн ва йигирматача чақмоқли милтиқларни қўлга туширган эдилар. Ушбу варақлар қораламасининг мусаннифи саналмиш камина бу воқеаларни ўз кўзим билан кўрганим учун ҳам уларни ёзғувчи каламим билан рақам қилмоқдамен. **Қитъа:**

Онро ки худо нигоҳ дорад,
Осеби касе бар у наёрад.
Кораш ҳама бахту нек созад,
Аз ғусса ҳасуд жон гудозад.
[Худо асраган кишига,
Ҳеч кимса зарар етказа олмайди.
Ишини нуқул ўнглайди,
Ҳасадгўйнинг эса ғуссадан жонига ўт тушади].

Ўша куниси амир Насруллоҳ намози дигар вақтигача шу тариқа ҳамла уюштириб, яна орқага қайтишга мажбур бўлди. Сешанба куниси тагин ўша йўсин билан субҳи содиқ чиқиш чоғидан то кун ботишигача одамларини қалъага югуртириб, ул номуссиз ва уятсиз лашкарнинг нечалари тўп ва туфанглар ўқиға учди. Бу ўлганларнинг сон-саногини айтиб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ. Амир яна кўрқув исканжасида қолиб, ўз манзилгоҳига бориб тушди. Шу тариқа бир неча кун ўтди.

Энди бир неча оғиз сўзни Муҳаммад Назарбек диловардан эшитинг. Ўша вақтда мазкур бек Гурумсарой қалъасига бориб тушди ва бехосият Кўчар *ясовул* ҳам қочиб кетиб, шу қалъада унга қўшилди. Кўпчилик тажрибакор кишилар ул нокас имонсизнинг шум қадамини ёмон фолга йўғириб, бу масалада роса бош қотиришди. Бироқ бирон чора излаб топа олмадилар. Ўша аснода Муҳаммад Шариф¹⁸²¹ *отолиқ* ва Гадоёбой *фармончи*¹⁸²² //169^a Дашти *қипчоқ* лашкари билан етиб келдилар ва Қарчинқўрғоннинг рўпарасидаги дашту биёбондан иборат бир кенгликка тушиб, лашкарни саф торттирдилар ва ўзлари ҳам шу ерда қарор-қўним топиб жойлашдилар.

Бу тарафдан ҳам саф ёрувчи *амир лашкар* Муҳаммад Назарбек диловар Исо¹⁸²³ *додхоҳ*¹⁸²⁴ душманга кўриниш бериб, ул кўрнамакларга қарама-қарши Искандар тўғони сингари мустаҳкам ва маҳкам ҳолатда турдилар. Ҳар икки тарафдан жамшидий карнайлар ва фаридуний ноқораларни янгротиб, саф ёрувчи баҳодирлар юрагига жўшқинлик солиб, денгиздек кўпиртирди. Ҳар икки тарафдан уруш кишилари ўнта, йигирмата бўлиб, ўз сафлари ичидан ўртага чиқа бошладилар ва бир-бирига рўпара келиб, найза санчиш ва ханжар уриш ишига киришдилар. Гоҳ бу тараф илгари силжиб, ул кина аҳли сафига ўзини урар, гоҳ яна бир адоват аҳли сафидан икки юз, уч юз нафар жангчи чиқиб, буларнинг сафига зарба берарди. Шу йўсин икки орада бир неча бор бундай синов ҳамлалари амалга ошиб, ҳар икки тараф ўзини ҳимоя қилиб турди. Аммо бора-бора бу каби елка қоқиб олишиш жанглари зўрайиб, қизигандан-қизий бошлади ва ниҳоят инсон боласининг ақлига сиғмайдиган даражадаги бир уруш рўй берди. Қишлоқ ва даштнинг дарёнинг бу қирғоғидан туриб жангни томоша қилаётган аҳолиси улар ҳолига ачиниш билдирар эдилар. Шу аснода Муҳаммад Назарбек диловар тоғдек бўлиб уларнинг ўтарлик жойида туриб олиб, елдек учар ва яшин кирдорли тақоварни ҳар тараф сари чоптираркан ул тарафни қўй подаси сингари ҳайдаб, бир жойга йиғди. **Назм:**

Зи ҳар сў тақовар бар ангеҳтанд,
Ба шамшер дар як дигар рехтанд.
Зи пайкон ҳама хўрдаҳо шуд зирех,
Зи синон дар дилу дидаҳо шуд гирех.
[Ҳар томондан от солдилар,
Бир-бирига қилич санчдилар.
Пайкондан баданлар совут бўлди,

¹⁸²¹ Муҳаммадшариф отолиқ – 1842 йили қатл этилган хонликнинг улуғ саркарда ва давлат арбобларидан.

¹⁸²² Фармончи/парвоначи – парвона, яъни капалакдек хон (амир) хузурига кириб, ариза ва сўровларни олиб кириб, жавобини олиб чиқадиган амалдор.

¹⁸²³ Исо парвоначи (ўл.1853 й.) – асли номи Исҳоқ бек, йуз қабиласидан. Баҳодирбек ибн Худоёрбий ибн Фозилбий ибн Садиқбий ибн Хушиқабий ибн Қулиқа бий ўғли. 1842 йилгача шахрисабзда яшаган. 1842-1844 йй. амир Насруллоҳ томонидан Ўратефа ҳокими этиб таинланган. Қоқонликлар бу шаҳарни босиб олгач у бир муддат тутқунликда ушланди ва 1847 йили яна Ўратефага ҳоким этиб таинланди 1849 йили Худоёрхон фармони билан қатл этилган.

¹⁸²⁴ Додхоҳ – дод, адолат истовчи. Саройдаги амалдор. Барча ариза ва сўровларни хон (амир)га етказиб, жавобини олиб чиқадиган шахс. Маҳаллий ҳокимларга ҳам кўпинча шу унвон берилган.

Найзадан дилу кўзларга тугун тушди].

Алқисса, шу аснода урушнинг айна қизиган пайти турли хунарлар кўрсатувчи қодир Эгам амри билан нусрату зафар аломати Муҳаммад Назарбекнинг толе пешонасида кўриниш бермоқчи бўлиб турган маҳал ҳеч қутилмаганда ул шум оёқ Кўчар ўзи билмаган ҳолда душмани Муҳаммад Шариф *отолиқ*қа беминнат ёрдам кўрсатиб, алам ва туғни жанг қилиб турган жойидан олиб, Намангон ва Тўрақўрғон йўли сари ура қочди. Бу даҳшатли воқеадан лашкар аҳли кўл-оёқдан тушиб қолди, ҳар ким ўзини бир тарафга хоҳ дарёгами, хоҳ тоққами уриб, бадар кетишди. Ва Муҳаммад Назарбек диловар ҳам қараса, иш чаппасидан кетган, ноилож тақоварининг йўналиш жиловини Намангон томони сари тортиб, озгина фурсат ичида Намангондан ўтиб, она томондан тоғаси ва тоғаваччаларига тааллуқли *сару*¹⁸²⁵ аймақининг қасабасига етиб бориб, ўша ерда осойиш топди. Муҳаммад Шариф *отолиқ* эса Гадоё бой билан бирга улар орқасидан қувлаб, Чуст¹⁸²⁶, Намангон ва Тўрақўрғон вилоятларини фатҳ қилди. Сўнг ўғли Ҳасан Мирзони //169^б ўша ерларга қўйиб, ўзи тўла иззат билан Сайхун дарёсидан ўтиб, Сартол мавзесида амир Насруллоҳга қўшилди. Муҳаммад Назарбек бўлса тинч ўтирмай, мазкур *отолиқ*нинг қайтиб кетганидан хабар топиб, ўз аймақига қарашли бутун қариндошларини тўплаб, Тўрақўрғон шаҳрининг ярмини остин-устун қилиб, Ҳасан Мирзони ушлаб олди ва амири кабир хузурига жўнатди. Сўнг ўзи ҳам Сир дарёси бўйларидаги барча ерларни фатҳ этиб келиб, Ғурумсарой қалъасига жойлашди. Кечами, кундузми демай, дарёдан қўй борми, ғалла борми ўтқариб, шаҳар ичига юбора бошлади ва Аллоҳга шукрлар бўлсинким, қирқ кунча қамалда турган бўлсак ва шаҳар ичида лак-лак фуқаро яшаётганига қарамай ҳеч қандай талафот кўрмадик. Ва Йўлчибек *додхоҳ*¹⁸²⁷ ҳам ул урушдан қочиб, Андижонга борган эди. У ҳам катта қўшин тўплаб, подшоҳ ўтирган жойдан тахминан беш фарсах наридаги Олтиариғ мавзесига келиб тушиб, ўша ерда ўрнашди. Шу орада амир Насруллоҳ ўз одамларининг тўкилажак қонлари гуноҳини бўйнига олиб, бир неча марта Сартол томондан қалъага аскар югуртирди ва натижада қанчадан-қанча одами тўпу туфанг ўқлари остида қирилиб, нобуд бўлдики, ўлганлар сонини ҳисоблаб, охирига етиб бўлмасди. Тушкунлик ва умидсизликдан сўнг умид учқуни шаҳарнинг шарқий томонидан қалъагача тахминан ярим фарсах ерда жойлашган Тўқай тепа мавзеси тарафидан ялт этиб кўриниб, амир ўша ёққа ўтиб олди. Чунки у томон ҳали девор билан ўраб улгурилмаган ва у ерга шох-шабба боғлаб қўйилган эди. Ўшанинг устига шу уруш маҳали кўчдилар. Оқ ойлуқ¹⁸²⁸ (сифатида Кўқон) фатҳ этилганда олиб кетилган ва унинг давлат саҳнасига чиқишини яқин орада ёзмоқчи бўлганимиз – *иншооллоҳи таоло* - Мусулмонқули *қипчоқ*¹⁸²⁹ ҳамда Муҳаммадқарим *додхоҳ*¹⁸³⁰, Эшон тўра¹⁸³¹ Тошкандий, Холиқназар бий *турк* сингари Хўқанд катталаридан бир нечтаси ва бошқалар қочиб келиб, қалъага кирган қўйи руҳсат ҳосил қилиб, қалъани таъмирлашга машғул бўлдилар. Шу аснода амир Насруллоҳ қалъанинг шаҳарнинг тўрт дарвозасидан иборат томонига лашкар юборди ва ҳеч бир замонда ҳеч бир подшоҳ томонидан бундай султонлик уруши амалга ошмаган даражада кўп ҳаракатлар қилди. Сипоҳ ва шаҳар аҳли фуқаролари ҳаммаси бир тан, бир жон бўлиб қалъанинг эшигу деворидан ўзларини ташқари уриб, тўп борми, милтиқ борми, таёк борми, кесакми тошми ул гаранг босқинчилар устига отиб, душманга шу даража қирғин келтирдиларки, ул бадниятлар мурдасидан қалъа ёнидаги //170^а майдон саҳни тўлиб кетди. Хусусан, биргина Тоғлиқ кўча боғидан Муҳаммад Шариф *отолиқ* бир неча минг нафардан иборат олтмиш бир туғ билан қоронғилиқ вақти жийбни бузиб кирган эди. Муҳаммад Азим *мерган* ўзининг мерганларидан етти нафари билан шу кўчага мутасадди бўлиб, бир бўш арава устига ўша мерганларидан тўрт нафарини чиқариб қўйди, қолган уч нафарига эса аравани гир айлангириб судратди. Пастдагилар шу зайл аравани ҳар томон судрашар экан, ароба устидагилар бўлса душманга қараб ўқ узар эдилар. Ул беномус ва уятсиз душман мардумларга ҳам аҳвол, ҳам кўча тор келиб, қочишга тушдилар ва ҳар ер-ҳар ердан тешик солиб, ташқари чиққан қўйи бадар кетдилар. Ўша куниси ўликлардан ташқари икки юз – уч юз бошга яқин душманнинг сара отлари ҳам аҳоли кўлига

¹⁸²⁵ Сару/сору – минг ва қирғиз қабилалари ичидаги уруғ номи.

¹⁸²⁶ Чуст – қадимий шаҳар. Ҳозир Наманган вилояти таркибидаги Чуст тумани маркази.

¹⁸²⁷ Йўлчи додхоҳ – лўлилардан бўлган ҳарбий бошлиқ, додхоҳ. 1862 йили вафот этган.

¹⁸²⁸ Оқ уйлик – гаровга олиниб, бошқа жойга олиб кетилгандан сўнг уларга ҳурмат кўрсатиларди. Улар кўпинча оқ ўтовларда яшаганлари боис шундай дейилган. Қора уйликлар эса асирга олинган, ҳақ-хуқуқсиз душман томони.

¹⁸²⁹ Мусулмонқули қипчоқ/чўлоқ – 1842 йилдан Кўқон хонлигининг сиёсий майдонига келган қипчоқларнинг машҳур пешволаридан. Уч марта мингбошилиқ мансабига кўтарилган. Худоёрхоннинг отолиғи ва қайнотаси. 1844-1853 йиллар давомида хонликни бошқарган. 1853 йили қатл этилган.

¹⁸³⁰ Муҳаммадқарим додхоҳ – Худоёрхоннинг биринчи хонлиги даврида қатл қилинган.

¹⁸³¹ Тўра – хонзодаларга бериладиган унвон. Муғуллар давридан мавжуд.

тушган эди. Ҳатто бир кампир икки бош от олиб келиб, амири кабир назаридан ўтказди ва ул зотни дуо қила-қила ўлжасини уйига олиб кетди.

Ва мазкур *отолиқнинг маҳрамбоши*ларидан биттаси бўлмиш мулло Муҳаммадумар кейинроқ куйидагича ҳикоя қилиб берганди: Ўша чоғда *отолиқ* билан бирга эдик, мазкур кўчадан олтмиш бир туғнинг довюрак жангчилари киришди. Хайрият, уларни қувлаб чиқариш учун бир минг-икки минг одам қалъадан сурон солиб чиқишди. Туғ одамларидан биронтаси ҳам кўшга қайтмай, ҳар тарафга ура қочишди.

Алқисса эртасига олтин тусли офтоб чиқиб, оламини равшан ва намоён қилди. Душман ўликларини йиғиб, бир неча жойда хирманлар ясадилар. Ҳар бир тўпда кўп-ози билан бир минг-икки минг мурда бор эди. Шу тарзда душман тўққиз марта қалъага одам югуртириб ва ён-атрофга одам юбориб, неча бир саъй-ҳаракатлар қилди, аммо қаерга боришса, ҳар бир еру ҳар макондан катта шикасту талафот еб қайтар эдилар.

Шу ҳодисалар чоғи Шоди *додхоҳ*¹⁸³² бир неча қочоқлар билан қалъа ичига кирди ва иккиланган ҳолда қаҳрамон аломатли аскарлар сари йўналди. Аммо паст зотида олдинги журъати ҳам қолмай, юрагини баттар ва кўпроқ даражада хавф-хатар ҳисси чулғаб олиб, орқага тисралди. Амир Насруллоҳхон ноилоҳ қолиб, ярашиш баҳонасини ўртага солди ва халифа Ҳусайн¹⁸³³ *алайхурраҳмининг* тариқатдаги ўринбосар ўғлини элчи тариқаси билан юборди. Фуқаро оммасининг ҳар бири кўлига тош тушадими, таёқ олибми ул эшонзада устига ёпирилиб, ғазаб билан тўпилган оломон уни несту нобуд қилмоқчи бўлди. Бу маънидан амири кабир огоҳ бўлиб, ўз аён ва давлатхоҳларидан уч юз-тўрт юз нафар кишини эшонзодани оломон кўлидан айириб олиш учун халқ олдига чиқарди. Ниҳоят Эшонзодани оломон кўлидан қутқарган кўйи ичкари олиб кирдилар. Ўша куниси икки орада қандай ва қанча айтиладиган гаплар бўлса ўртага ташланиб, айтилди ва сўнг тун қоронғулигида эшонзодани чиқариб юбордилар. Бироқ, эртаси куни //170^б Насруллоҳхон яна мазкур Эшон *махдумни* сулҳ битимини тузиш учун қалъага киритиб юборди. Амири кабирнинг буйруғига биноан Эшонзодани ўша мурдалар пуштаси ёнига ўтказдилар ва аждар оғизли тўпни унинг рўпарасига келтириб кўйдилар. Эшонзода ажаб бир ҳолат ва қаттиқ азоб бергандан ҳам баттар вазиятга гирифторм бўлди. Ўрнидан турай деса, тўпнинг оғзига ўт қалаб туришибди, ўтирай деса, мурдалардан таралаётган бадбўй ҳидга чидаб бўлмайди. Ёз куни бўлгани сабабли иссиқ ҳаво ҳам бу вазиятни баттар қилмоқда эди. Хуллас, *махдумни* намозшомгача ўша ерда ушлаб туришди ва шундан сўнг жавобсиз чиқариб юбордилар. Амир Насруллоҳ элчиси ҳалиги аҳволда қайтиб келгач, ўша куннинг эртасига тонг чоғи Марғинон томонга кетиб, юзини дашт томонга қаратди ва икки фарсах наридаги Мирзо Ёдгорнинг боғига бориб тушди. Ўша куниси гап етказувчи айғоқчилари оқтерак ва арар дарахтлари устида ўтирганча ён-атрофда нима воқеа бўлса кузатиб, унинг яхши ва ёмонидан хабар бериб турдилар. Ўша аснода дашт ва саҳро тарафидан бухоролик аскарлар оқими сел ва дарё сингари тошиб, ул биёбон ҳудуди томонидан қочиб кела бошладилар. Озгина фурсат ичида етиб келиб, эшигу дарвозалар олди одамга тўлиб кетди. Амир Насруллоҳ бу ёқларга бу гал ҳам бу замонни ўша Муҳаммадалихоннинг давридаги каби дея ўйлаганча ўз кучига мағрур бўлиб келган эди. Аммо, у пайтда кўқонликлар Муҳаммадалихоннинг ярамас қилиқларидан¹⁸³⁴ жуда безор бўлган эдилар ва шу сабабли ҳар бир нарсага бефарқ эдилар. Ҳатто, чумолилар бирлашса, уларнинг кўлидан ҳам кўп иш келади, дейишади. Ҳали-ку бутун бошли бир халқ. Ўшанда хоҳлашса, шу захотиёқ амир Насруллоҳнинг кўлидан вилоятни қайтариб олишарди. Аммо амир Насруллоҳни одил ва халқпарвар подшоҳ деб ўйлаган халқнинг барчаси қаттиқ ғафлатда қолди. Худога шукр, ниҳоят эндиликда фуқаро ва раоё амири кабирнинг шарофат сифат давлатига мушарраф бўлиб турибди. Амир Насруллоҳ масаланинг бу томонларини мулоҳаза қилмаган экан шекилли, мана одамлари билан келиб, қалъа деворидан битта ғиштни ҳам жойидан қимирлата олмай қайтди. Чунончи шоирлардан бири демиш: **байт:**

Сайёд на ҳар бор шикоре бибарад,
Рўзе афтад ки ҳам палангаш бидарад.
[Овчининг ови ҳар гал ҳам бароридан келавермайди,
Куни келса йўлбарс чангалида тилка-тилка бўлади].

¹⁸³² Шоди додхоҳ (Кали Шоди), мингбоши 1844 йили ўлдирилган.

¹⁸³³ Халифа Ҳусайн – Фарғонада нақшбандия тариқатининг пирларидан. 1834 йили вафот этган. Унинг манокбиби “Кашф ал-асрор”, “Мақолот ва мақомот” ҳамда “Мажмуат ал-мақосид ва марфуат ал-маросид” номли асарларда (муаллифлари шайх Жалалиддин ва шайх Низомиддин) ёритилган.

¹⁸³⁴ Бу ҳақда “Мантахаб ут-таворих” (Тошкент, 2010) ва “Анжум ат таворих” (Тошкент, 2011) асарларидаги хоннинг оилавий ҳаёти тафсилотларига қаралсин.

Эртаси куни у ердан ҳам кўчиб, дашт бўйлаб шаҳарни айланиб ўтди ва бориб Конибодом¹⁸³⁵ манзилига тушди. Шу тариқа йўл юриб Хўжандга етиб, Хўжанд ҳукумати Худоёрбек ибн Бекмуродбек юзга берди. Хўқанднинг Абдурахмонбек, Саййидхон тўра каби улуғ амирлари ва бошқа бир неча катталар у ердан қочиб келдилар. Ва Бухоро амири Самарқандга етиб, Ғайиббек ибн Баҳодирбек юзни Шаҳрисабз¹⁸³⁶ дан чақириб, Ўратепа¹⁸³⁷ ҳукумати унга бахшида қилди ва ўзи тезда Бухорога томонга ўтиб кетди. Чунки, кетишидан олдин Оллоҳқулихон Урганжий¹⁸³⁸ Бухоронинг дарвозасигача келиб, босқин-чопқин уюштириб, йигирма тўрт минг //171^a оилани кўчириб олиб кетган экан. **Байт:**

Ки сар кашида дар ин бўстон, ки сар накашид,
 Зи риштаи жигараш дастаи сунбули оҳ.
 [Бу боши осмон бўстонда ким бўй чўзмаса,
 Жигари торларидан бир тутам оҳ сунбул бор].

Шунинг ғамида Бухорода ҳам кўп турмай, Урганж томонга чиқиб кетди. Бунинг воқеаси юқорида зикр топган эди.

Энди Муҳаммад Шариф *отолиқ* воқеасидан бир шингил эшитинг. У ўшанда Хўжанднинг устидан рухсат ҳосил қилиб, Тошканд¹⁸³⁹ сари кетмакни ирода қилди. Шу аснода жўнашидан олдин Қурама ичига Ҳошимхўжа ибн Юнусхўжа Тошкандий кириб, қатли ом қилгани ва сўнг Кировчи¹⁸⁴⁰ қалъасига киргани ҳақидаги хабар етиб келди. Бу воқеадан ташвишга тушиб, чексиз лашкар билан Кировчи қалъаси устига бостириб борди. Қараса, ўша пайтда укаси Дарвишали *додхоҳ* пароканда ва тарқоқ лашкарни Тошканд томонидан олиб келиб, қалъани қамал қилиб турган экан. У ҳам ўша кечаси шу ерда ётиб, эртасига қалъага босқин уюштирамоқчи бўлган. Шу аснода *отолиқ*нинг Тошкандда отаси ўрнига қолган ўғли Хонкелди Мирзодан «жуда тезлик билан аҳволни ўнглаш учун ҳеч ҳаялламай етиб келинг» деган хабар келади. Унда айтилишича, шаҳарнинг фуқаролари ўрмонни шеру йўлбарсдан холи кўриб, бевафолик камишзорида жафо оловини ёндирмоқчи эканлар. Хат мазмунидан огоҳ бўлиб ва унда битилган воқеа тафсилотини ўқиғач, ул беҳушнинг ҳуш косахонасидан ҳуши учиб кетиб, ҳушидан кетди. Бироздан сўнг ўзига келиб, Гадейбойни Бўка қалъасига тайинлаб, ўзи Тошкент вилоятига бадар кетди.

Ва ўша кезларда отасидан сўнг бир неча йил ғариблик ва мусофирлик азобини тортиб, Шаҳрисабз вилоятида истиқомат қилиб юрган Отолиқбек ибн амир Олимхонни қазову қадар этагидан тортиқилаб, эркин *қирғиз*лар ва ул мирваччанинг тоғазодалариларига қарашли яйлоқ ҳисобланган Етти кўприк мавзесига «ҳимоялари остида сақласалар керак» деган умид билан келиб, эндиликда шу ерда истиқомат қилаётган эди. Бу гапнинг хабари амир кабирнинг қулоғига етишгач, ҳар икки томонга яхши бўлиши юзасидан дарҳол кетма-кет элчилар юборишга киришди ва кўп ваъда-ю аҳду-паймон ва қасамлар билан мирваччани ота-бобосининг асл ватанига таклиф этди. Амирзода бу таклифни қабул қулоғи билан эшитмади ва гапга кирмади, балки душманлик изҳорини қилишгача бориб етди. Амири кабирнинг унга қилаётган оталарча мушфиқона насихатидан ҳеч натижа чиқмади. Чунончи шоир айтмиш, **байт:**

Агар оқил бувад хасми ту беҳтар,
 Ки бо нодон шави ёру биродар.
 [Агар душманинг ақлли бўлса шу яхшироқ,
 Нодон билан ёру биродар бўлганиндан кўра].

Амири кабир қанчалик ул бадбахтга нисбатан хайрли ниятда бўлмасин, уни рўёбга чиқаришга уриниш ҳеч фойда бермади. Ноилож, ўзини ўша ернинг амирваччаларидан ва амири кабирнинг қариндошларидан сановчи Саййидалибек Кўчак *дастурхончини* //171^b катта лашкар билан мирваччани енгиб, ўзига бўйсундириш учун юборди. **Назм:**

Рафтанд он сў ба фармони шоҳ,
 Зи Хўқанд он лашкари кинахоҳ.

¹⁸³⁵ Конибодом – Хўжанд-Кўкон йўлида жойлашган шаҳар. Ҳозир Суғд вилояти (Тожикистон)даги туман маркази.

¹⁸³⁶ Шаҳрисабз (Кеш) – бугунги кунда Шаҳрисабз тумани, Қашқадарё вилоятидаги шаҳар.

¹⁸³⁷ Ўратепа – Ўратепа/Истаравшан – Кўкон ва Бухоро давлати чегарасида жойлашган мулкнинг маркази. Фарғона, Зарафшон, Илоқ водийларини бир-бири билан боғлаб турган катта савдо йўлида жойлашган қадимий шаҳар. Ҳозир Тожикистондаги Суғд вилоятида туман маркази. Қадимда Усрушона/Истаравшан тарихий-жуғрофий ҳудуднинг маркази шу шаҳарнинг яқини (қадимий Киропол)да жойлашган эди.

¹⁸³⁸ Оллоҳқулихон Урганжий – Хива хони (1825-1842).

¹⁸³⁹ Тошканд – хонлик даврида бу шаҳар вилоят ҳамда Дашти қипчоқ мулкнинг маркази бўлган.

¹⁸⁴⁰ Кировчи – Кировчи Қурама мулкнинг маркази бўлган. Тошканд вилояти Пскент туманидаги қишлоқ. “Тулистон” жамоа хўжалиги таркибида.

Жавонони разм овару ҳам далер,
 Ба вақти муҳориб чу монанди шер.
 Шаванд ҳам фил ва мисли аждаҳо,
 Зананд теғ бар сари душман бе ибо.
 Зи сар то ба по ғарқай оҳананд,
 Ту гўйи ки он жумла рўйин тананд.
 Гурўхе ба дасташ гирифта синон,
 Гурўхе туфанги оташ фишон.
 Гурўхе гирифта ба каф теғи тез,
 Ба кор оварад рўзи жангу ситез.
 Савора ба асбони тозий нажод,
 Ба тан ҳамчу куҳу ба рафтан чу бод.//172^a
 [Кетди у томон шоҳ фармони ила,
 Хўқанддан чиқиб ўч олгувчи лашкар.
 Жангда ботир ёшлар, қаҳрамонлар,
 Уруш пайти шер каби бўлишар.
 Бўлурлар ҳам филу мисоли аждаҳо,
 Уришар қилич душман бошига тап тортмай,
 Бошдан-оёқ темирга кўмилишган,
 Худди мистанли (сарик) девга ўхшашар.
 Бир гуруҳ қўлига қилич ушлаган,
 Бир тўда эса олов пурковчи милтиқ.
 Бир гуруҳ кафтида ўткир қилич,
 Ишлатар жанг куни уни аёвсиз.
 Араб насли отларга минишган,
 Гавдали, юганда елдек учар от улар].

Албатта, дастлаб шу лашкарнинг кичик гуруҳи юборилиб, хўқандлик амирлар Отолиқбек турган худудга етишгач, бу мирвачча ҳузурига элчилар юбордилар. Аммо мирвачча ул сўзларга эътиқоду ишонч билан боқмади ва элчиларни орқасига қуруқ қайтариб юборди. Шундан сўнг борганлар амири кабирнинг фармойишига кўра, мирвачча ўтирган ерга ўтиладиган йўлларни беркитишди. Жонли жониворнинг ул мавзедан ўтишига ҳеч қандай иложи қолмади. Шу сабабдан //171^b қуршов ичидаги Отолиқбек одамлари учун турмуш керак-яроқисиз ҳаёт кечириш қийинлашиб, бундан хавотирга туша бошладилар. Отолиқбек қараса, иш кўлдан чиқиб бормоқда. Бечора йигит кам тажрибалиги юзасидан ва ўзининг ўта билимсизлиги натижасида ўзича бир тадбир ўйлаб топган бўлди. Хўқанд амирлари яхши танийдиган обрўли бир кишини элчи қилиб, Хўқанднинг нусрат аломатли лашкаргоҳига юборди ва уларни ўзининг Мир кабир олдида боришидан умидвор қилди. Аммо, бир шарти борлиги, аниқроғи ҳозирча озиқ-овқат ва кийим-кечак сингари нарсалардан нима лозим бўлса, хўқандликлар яхши ниятларини намоён этганча, ўшаларни мирвачча эҳтиёжини қондириш учун юборсалар. Булар хат мазмунидан ул воқеани англагач, мағрур ва шод-масрур бўлиб, айтган нима нарсаси бўлса, балки ундан ҳам етти чандон ортиқ қилиб юбордилар. Отолиқбек қараса, тадбири муддао сарҳадига етибди. Зарур нарсаларни кўлга киритгач эса яна хом аклининг фикр ботқоғига ботиб, ёмон ният ва эгри кўнгил кўчасига кирди ҳамда ўзига касб қилган муҳолифатчилик ишига ривож берди ва ҳар бурчакдан ўку туфанг отишга буюрди. Чунончи азизлардан бири айтмиш,

байт:

Ба некий нек, бадро бад шумор аст,
 Ба подоши амал гетий нигор аст.
 [Яхшиликка яхши, ёмонга ёмон қайтар,
 Қилинган ишга яраша мукофот бор].

Хўқанд амирлари амирзоданинг бу каби муҳолифат қўзғовчилик ишларини кўриб, бўлиб ўтган воқеа тафсилотини амири кабир ҳузурига ёзиб юбордилар. Амири кабир ариза мазмунини мутолаа қилгач, қарасалар, иш тинчлик ва тўғрилиқ билан битадиган эмас ва «бундай ҳол телбалик аломатидир» деган сўз бўйича иш тутиб, номини сал олдин тилга олганимиз Саййидалибек дастурхончининг ўзини кўп сонли лашкар билан ул мавзегга равона қилдилар. Лашкар аҳли жуда тезлик билан мазкур ерга етишиб, ҳар бурчакдан жанг қила-қила зўр келтирганча тўпу замбаракни тоғ бурчагига элтиб, қамал ишига киришдилар. Отолиқбек қараса, иш жон бермоққа етишибди. Сулҳдан бошқа чора излашнинг ҳеч бир иложи қолмабди. Вазият танг келгани учун ўртага сулҳ сўзини солиб, ўзини Хўқанд лашкари кўлига топширди. Саййидалибек қувонч аломатли, фасоҳат

асарли сўзлари билан фатху зафар воқеасини ва Отолиқбекни қўлга туширгани ҳодисасини озми-кўп ёзув рақамига киритиб, амири кабир олдига жўнатди. Хайрли хат етишгач ва қувонч аломатли хушxabар эшитилгач, бу шодлик муждасини тил ва навога киритган кўйи барча фуқаро ва раоё қулоғига етказдилар. Бу башоратли ишоратдан барча катта-ю кичик хурсанд бўлиб, замон хони жонининг соғлиги ва умрининг боқийлиги учун дуо қилиб, кўнгилларини бу воқеа ташвишидан тинчитдилар. Алқисса амири кабир дастлаб бу фатх башоратидан хурсанд бўлдилар, аммо иккинчи тарафдан уни назорат остида сақлаш борасида ғам гирдобига чўмдилар ва нима қилишни билмай қолдилар. Ниҳоят, давлат аҳлининг амирлари билан машварат ишини тузиб, маслаҳат излаш пайдан бўлдилар. Шу аснода маслаҳат аҳлидан айримлари //173^a ишни тўғри ва яхшилик билан ҳал қилиш учун икки амирнинг бир шаҳарда туриши ақл етуклигидан эмас, энг яхши ва тўғри иш мирваччани йўқ қилмоқдир, деган фикрда бир тўхтамга келдилар. Бу яхши маслаҳатга барча бир оғиздан ўз розилигини билдириб, уни Қароёзи бобо мавзесида шаҳидлик даражасига етказишга қарор қилдилар. Ўлдиришга келишилган вақт етишгач ва шаҳарга келиши яқинлашган лашкарнинг қайтиши ул мавзе устидан тушиб, ўша ерда кўш ташлагач, амири кабир ўша даврда султонлик хазинасининг калитдорлик мансаби билан боши ҳаммадан баланд бўлиб юрган Азиз *меҳтар*¹⁸⁴¹ ни бир нечта қон ичувчи, миррих савлатли жаллодга қўшиб, ул амирзоданинг олдига жўнатдилар. Булар ўша куниси ҳалиги жойга етишиб, лашкарнинг масъул ва хабардор кишилари билан маслаҳатни бир ерга қўйиб, ўша оқшомиси раби ул-лавал ойининг биринчисида жумъа куни 1259 йили¹⁸⁴² ул балокаш нозаниннинг бошини танидан жудо қилиб, ҳазрат Қароёзи бобо мозори ёнида дафн қилдилар. Умри муддати қирқ бир ёш бўлди. *Барча нарсани билгувчи Аллоҳ дир. Маснавий:*

Кужо дид қассоб ранжи шубон,
Табарзан надонад ғами боғбон.
Дарахте ки умре барояд баланд,
Тавон дар як лаҳза аз бех канд.
Тавон марде сад куштан андар набард,
Яке зинда кун то бихонанд мисли мард.
[Чўпон чеккан захматни қассоб қачон кўрибди,
Болта урувчи боғбон ташвишин тушунмас.
Бир умр давомида ўсган дарахтни,
Бир лаҳзада таг-томири билан чопиш мумкин.
Жангда минг кишини ўлдириш мумкин,
Қани битга ўликни тирилтирчи, сени мард дейишсин].

Таърих:

Отолиқхон ибн Олимхони мағфури марҳумий
Дар мавзеи Қароёз бобо бузруквор *алайхурраҳма ва-л-ғуфрон*.
[Мағфиратли Олимхоннинг ўғли,
Қароёзбобо мавзесидадир].

Таърих:

[Буд жое маҳкаме дар кўҳсор,
Бар канори мулки Фарғона ниҳон.
Зи инқилоби гардиши гардуни дун,
Ногаҳон омад Отолиқхон дар он.
Чанд рўзе буд онжо бар қарор,
То шунид ин можаро хони замон.
Лашкари берун зи эҳсоси шумор,
Кард бетаъхир сўи ў равон,
Лек сардорони корогоҳро,
Кард бар асрори худ воқиф аз он.
Бо сепоҳи беадад рафтанд лек,
Бо Отолиқхон раҳи аҳду паймон.
Пеш бурданд, муаккид сохтанд,
Аҳдҳояшон бо имону қуръон.
То ки бо ин аҳдҳо бовар набуд,

¹⁸⁴¹ Азиз меҳтар, додхоҳ, парвоначи, мингбоши – 1864 йили ўлдирилган.

¹⁸⁴² Раби ул-аввал ойининг биринчисида жумъа куни 1259/1 апрель 1843 йилига тўғри келади. Бироқ жума куни сафар ойининг охириги куни бўлган.

Баҳри байат жониби хон шуд равон.
 Лек ўро норасида пеши шоҳ,
 Аҳд шикастанд куштанд он бадон.
 Хотирам андеша таърих дошт,
 Дар пайи соли шикасти аҳди хон.
 Гуфт: Гоҳе жуз бадий наояд барун,
 Аз шикасти аҳди шоҳони жаҳон.
 Боз тобеи дигар мехост дил,
 То намонад соли қатлаш бенишон.
 Гуфт: Отолиқхон ки рўи аҳд аз,
 Сари дунёи дун бигзашт он. //173^б
 [Тоғликда мустаҳкам бир жой бор эди,
 Фарғона мулки четида яширин ер эди.
 Ўзгарувчан тубан гардиш эврилишидан,
 Отолиқхон кутилмаганда шу ерга келди.
 Бир неча кун ўша жойда макон тутди,
 Эшитгач эса бу гапни замон хони.
 Саноксиз лашкар юборди дарҳол,
 Лекин иш билувчи сардорларни,
 Ўз асроридан воқиф қилди,
 Чексиз қўшин билан боришди, лек,
 Отолиқхон билан аҳду паймон йўлини,
 Тутишди ва этишди аҳдларини мустаҳкам,
 Қасаму қуръон билан.
 Бу аҳдга ишонч бўлмагач,
 Қўл бериш учун хон томон юрди.
 Лекин етмай туриб шоҳ олдиға,
 Аҳдни бузиб, ўлдирдилар ул ёмонлар.
 Хотиримдан бу таърих ўтди,
 Хон аҳдини бузгани йилини топиш учун.
 Деди: Гоҳо ёмонликдан ўзгаси чикмас,
 Жаҳон шоҳларининг аҳдни бузишидан.
 Яна бошқасини дил хоҳларди,
 Қатли йилидан ном-нишон қолмас,
 Деди: Отолиқхон аҳдга боғланиб,
 Тубан дунё баҳридан кечди].

Яширин қолмасинким, //173^б биринчи таърих сонларини чиқариш йўли қуйидагича: «шикасти аҳди шоҳони жаҳон» таърих моддаси бўлиб, «бадий» олиб ташланса, бир минг икки юз эллик тўққиз ҳосил бўлади. Иккинчи таърих сонларини очиш эса мана бу йўл билан амалга ошади: «Отолиқхон» таърих моддаси бўлиб, «рўи аҳд» сўзидаги «аҳд»нинг «айн» ҳарфи билан ёзилади ва «сари дунёи дун» сўзларидаги «дол» ҳарфи мазкур моддадан соқит қилинади ва булардан ҳам ўша сон чиқади¹⁸⁴³.

Ўша аснода ва мазкур пайтда Амир Насруллоҳ *мангит* Фарғона номи билан танилган Хўқанд устидан кўчиб, бадар кетди.

Назар аҳли Фарғона ўлкаси баёни воқеоти ва хабарини қуйидагича айтишган: Фарғона бешинчи иқлимдан бўлиб, ҳимоят қилувчи юлдузи Зухра ҳам деб аталувчи Ноҳиддир. Одамлари ишратдўст, меҳмоннавоз ва очикқўл ва ҳамиша бу халқнинг эшиги четдан келган мусофир ва ғарибу ғурабо учун очик, сахий қўлини меҳмонларни кутиб олиш сари сари чўзиб, эҳсону саховати билан барчани хушнуд ва сарафроз қилади. Шу сабабдан оз фурсат ичида ободлик намунаси бўлмиш Хўқанди латиф вужудга келиш санасидан то ушбу варақлар қораламаси тасниф бўлган бир минг икки юз етмиш еттинчи (1277/1860-61) йилгача бу шаҳарда ҳар жойдан мусофир одамлар – бухоролик, тошкандлик, ўратепалик ва кошғарлик, куҳистонлик, кулоблик, кобуллик шу даражада кўп йиғилганларки, вилоятдан ташқари тоғу сахро ва дашту биёбонлар ҳам аҳолига тўлиб кетган. Оқар сувлари кўплиги, дала экинлари ҳосили мўллиги, дов-дарахтлар билан тўлалиги ва мева-майизлари фаровонлиги жиҳатдан фирдавсифат Хўқанди латифга ҳеч бир вилоят ва шаҳар тенглаша олмайди.

¹⁸⁴³ Таърих моддалари 1258/1842сонни беради.

Ҳозирги (!) Саййид Муҳаммадмалла Баҳодир¹⁸⁴⁴ султон ғозий даврида (!) лашкар кўплигидан ер юзининг уч томон ва тўрт томон атрофига лашкарлар юбориб, Қаноатшоҳ¹⁸⁴⁵ *девонбеги*¹⁸⁴⁶ ўрус тарафга Олмаоти мавзесида жангу жидолга машғул. Амири кабирнинг ўзи эса Самарқанд устида амир Музаффар¹⁸⁴⁷ *мангит* билан тўқнашиб турибдилар. Кошғар¹⁸⁴⁸ томонда Тўраҳон тўра бир неча минг киши билан хитой-тотор билан урушга киришиб, ғалаба ва фатҳга яқин қолиб турибди.

Хуллас, бу Фарғона ўлкаси кўп асрлар олдин Ануширвони Одил томонидан қурилган бўлиб, ўша пайтлари мазкур диёрдан ҳар хонадан бир кишини бу ерга олиб келиб жойлаштирганлар ва шу сабабли бу ерни «ҳар хона» деб, шу номни олган ва бу сўз омма тилида кўп айтилавериш, хато равишда «фарғона»га айланган ва Фарғона деб аталадиган бўлиб қолган. Ўша ўтган //174^a замонда пойтахти Андижон бўлиб, қурувчиси Қанду ибн Қоши ибн Оқкиё қоон ва Дуво ибн Бароқ ибн Бесун қаро ибн Бомкон ибн Чиғадой хон обод қилган. Аммо бизнинг замонимизда олдин Кот ва Кошон ва Мохсикат бўлган. Асириддин Ахсикатий шоир ўша ердандир. Ва бошқа шаҳарлари Ўзганд¹⁸⁴⁹, Қубо ва бошқалар. Ва вилояти бисёр ва зироати бешумор. Ва минорларни Эрон ва Турон сарҳадигача Бахроми гўр қурган. Эндиликда худога шукр амири кабир саййид Шермуҳаммадалихон замонида 1258/1842 йилда (бир минг икки юз эллик саккизинчи йили) қалъа биносини таъмир қилиб оз фурсатда ниҳоясига етказди. Қалъанинг баландлик чўққиси фалак қаҳқашони билан тенглашади ва кенглиги худди гавҳарни ерга ўрнатиб қўйгандек ва кунгураси узоқдан худди ялтироқ юлдузлар сингари кўринади. Шундай кенг қилинганки, бутун айланаси тўрт фарсах ерни ўраб қилиб турибди. Ҳеч бир шаҳар бу тарз кенгликда қурилмаган ва ҳеч бир подшоҳ бунақасини қурмаган. Бу бобда ва қалъа қурилиши борасида Эшон қори Қундузий¹⁸⁵⁰ номи билан машҳур ва таърих моддаси чиқариш ҳамда тарих воқеаларини битишда замон кишиларининг барчасидан устун ўтган ҳамда яратган таърихлари файзи хусусида худо хоҳласа муносиб вақтда алоҳида сўз юритмоқчи бўлганим имом Али Қундузий қалъани бино қилувчи ва унинг қурилиши баёнида икки қитъа таърих битганлар.

Биринчи қитъа:

Чун ба даври қалъаи Хўқанд султони замон,
 Қўрғоне сохт к-зи рифъат ба гардун ҳамдам аст.
 Қад зи умқу хандақи давраш нашуд маълум лек,
 Хорпушти моҳии зери замин зи обаш нам аст.
 Дар жаҳон кас қалъаву хандақ бад ин ҳайбат надид,
 Ин магар шудасть ки атрофаш муҳити аъзам аст.
 Ҳар диле андишаи таърих ин таъмир дошт,
 Фикрат, Комий, кай бо авзои ин фан маҳрам аст.
 Гуфт «ҳар кас гирди садди Шерали хони замон»
 Дид, ў мегўяд «аз ин садди Искандар кам аст».
 [Хўқанд қалъаси бўйлаб замон султони,
 Бир қўрғон қурди баландликда осмонга тенг.
 Атрофи чуқурининг энини аниқлаб бўлмас, лек,
 Ер остидаги балиқнинг тикани унинг сувидан хўлдир.
 Жаҳонда ҳеч ким бундай қалъаву хандақни сира кўрмаган,
 Нима, бунинг атрофи Муҳит денгизи бўлганми,
 Ҳар бир дилга бунинг таърихи ўйи тушмиш.
 Эй Комий, қачон фикринг бу фан билан ошно,
 Деди: ким «замон хони Шерали тўғони айланасин»,
 Кўрса, дер: Искандар садди ҳам бундан камдир!

¹⁸⁴⁴ Маллахон ибн Шералихон Қўқон хони(1858-1862).

¹⁸⁴⁵ Қаноат оталиғ – Қаноатшоҳ оталиғ тожик (1862 йили ўлдирилган). Қаротегиннинг Самсолик қишлоғида оламга келган. Ўғли Одилбек, укаси Давронбеклар билан Қўқон хони Муҳаммадали хизматига келиб кирган. Қўқон хонлари ва бухоро амири Насруллоҳ ва Музаффарга ҳам хизмат қилган. Жиззах (1855-1856), Туркистон (1856-1857), Марғинон (1859), Тошкент (1860-1862) ҳокими. Рус босқинчиларга қарши Узуг Ағач муҳорабасида Қўқон қўшинига бошлиқ бўлган ва шу урушдан сўнгра ғозий унвонини олган. Амир Музаффар фармони билан қатл этилган.

¹⁸⁴⁶ Девонбеги – хон, амир девонининг бошлиғи.

¹⁸⁴⁷ Амири Бухоро – амир Музаффар (сафар ойи чоршанба куни 1242/ сентябр 1826 – 1 сафар 1303/9 ноябр 1885 йил).

¹⁸⁴⁸ Кошғар – Хитойнинг Синьцзян-Уйғур мухтор республикасидаги шаҳар.

¹⁸⁴⁹ Ўзганд – Ўзгенд – Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги Ўзген тумани маркази. Қарадарёнинг ўнг соҳилида жойлашган.

¹⁸⁵⁰ Эшон қори Қундузий, яъни Имом Али қори Қундузий. Афғонистоннинг Қундуз шаҳридан бўлган. Комий тахаллусли бўлган Қўқон хонлари ва Бухоро амирлари саройида хизмат қилган шоир ва тарихчи. Ўрта Осиёда кенг тарқалган “Таворихи манзума” асарининг муаллифи.

Яширин қолмасинким, бир минг олти юз эллик етти сонига тенг «гирди садд Шерали хони замон» сўзлари таърих моддаси бўлиб, исқот сони сифатида кўрсатилган уч юз тўқсон сонига тенг «садди Искандар» олиб ташланса, изланган таърих ҳосил бўлади ва у бир минг икки юз эллик саккиз (1258/1842)дир. **Иккинчи қитъа:**

Чун ба даври шаҳар султони замон,
Қалъаи тоқу хандақ сохт жуфт.
Баҳри таърихаш хирад аз рўи даст,
«Шерали шаҳ бонии ин қалъа» гуфт.//174^б
[Замон султони шаҳар атрофида,
Жуфт қилиб қалъа тоқи ва хандақ қургач.
Таърихи учун ақл иши юзасидан,
«Бу қалъа бинокори Шерали шох» деди].

Бекитиқча қолмасинким, «Шерали шаҳ бонии ин қалъа» сўзлари таърих моддаси бўлиб, иккинчи қитъанинг матлаъси нақдини ташкил этувчи «рўи даст» сўзларидаги «дол» харфига биринчи қитъага ишора қилингани учун таърих моддасига тенг сон ҳосил бўлади¹⁸⁵¹.

Шунингдек, Фарғона вилоятининг ўткитр зехнли зукко шоирлардан бири бўлган Абдураззоқ шоир ҳам Хўқанди латиф қалъаси қурилишини яхши айтган. **Таърих:**

Дар замони Шералихони шаҳид,
Қўрғони атрофи ин шаҳри шариф.
Хукми олий шуд бино яке тарзи хос,
Арзу паҳно хориж аз фикри заиф.
Аз ҳисори матину мустаҳкам аст,
Аз дуои хайрхоҳони ҳаниф.
Машқи пуркор сафои халқ шод,
Ёдгоре монд аз ҳукми зариф.
«Дил» ба таърихаш калла шикасту гуфт:
«Қалъаи ислом Хўқанди латиф».
[Шаҳид Шералихон замонида,
Бу шариф шаҳар атрофи қўрғони,
Хос тарзда қурилишига фармон бўлди,
Эни-ю кенглигига ақл етмас,
Метин қалъадан ҳам мустаҳкамрокдир.
Хайрихоҳ халқнинг дуосидан,
Пуркор қурувчилар сафоли, халқ шод.
Зариф ҳукмдан бир ёдгор қолди,
«Дил» таърихида бош синдирди-ю, деди:
«Латиф Хўқанд ислом қалъасидир»].

Бекитиқча қолмасинким, дилнинг «дол»ини иккинчи мисрадан олиб ташласак, яъни тўртни камайтирсак, бир минг икки юз эллик саккиз (1258/1842) чиқади.

Хўжанд ҳокими Худоёрбекнинг сулҳ ва яраш қилгани ҳамда Нав қалъаси¹⁸⁵²нинг фатҳ этилиши зикри

Агар ҳазрати илоҳий лутфи қай бир соҳиби давлат пешонасини ялтиратса, зафар ва нусрат унга тааллуқ топиб, адоват аҳлининг жасур кишилари енгилиш, хароблик, пажмурдалик ва тароватсизлик юзага келиши сари юз тутуди. Ўша аснода ва ул замонда амири кабир душман бадқирдорлиги ва шум нияти ёмонлигидан халослик топиб ва фатҳу зафар ёрлиги кўзларга равшанлик бағишлаб, мақсади ҳосиллик сарафрози ул шермарднинг енги остидан қўл чиқариб, барча кина-адovat истовчи қочоқ душманлар тўдалари ой доираси каби Хўқанди латиф вилоятининг ён-атрофини тўлдириб юборгандилар. Ниҳоят, бошларини сулҳ тузиш сари ўгириб, таслимга розилик бўйнини олий даргоҳ томон эгдилар ва кетма-кет аризалар юбора бошладилар. Шу жумладан, илгари амир Насруллоҳ хизматида турганча Хўжанд ҳокимлигини бошқариб ўтирган Худоёрбек ибн Бекмуродбек юз ҳам шундай ариза билан мурожаат қилиб, амири кабир унинг сўзларининг рост-ёлғонлигини билишга киришдилар ва аржуманд ўғли Саримсоқбекни ва Юсуф мингбошини кўп

¹⁸⁵¹ Таърих моддаси 1258/1842 йилни беради.

¹⁸⁵² Нав қалъаси –Тожикистоннинг Суғд вилоятида жойлашган туман, Тошканд вилояти билан чегарадош.

лашкар билан ул тарафга юбордилар. Булар манзилма-манзил йўл босиб, Хўжанд мавзесига етишдилар ва элчилар алмашиб, неча бор хатлар юборилгач, сулҳга қарор қилинди. Сўнгра хотиржамлик ҳосил қилиб, Хўжанд қалъаси ичига кирдилар. Бир неча кун дам олиб, Худоёрбекни Хўқанд тарафга юбордилар. Лашкар аҳлининг ўзи эса Нав қалъаси сари отланди. Анча йўл юрилгач, ул манзил устига етишдилар. //175^a Нов қалъасини қуршаб, паргола каби ўртага олдилар ва тўпу туфанг отишга машғул бўлдилар. Ўша чоғда қалъа ҳокими қараса, олов билан ўйнашиб бўлмади, ноилож сулҳни маъқул топиб, аҳду паймон ва ўртага қасам сўзини солиш билан Нов қалъасини бўшатиб чиқиб, бадар кетди. Бу саодат асарли сафардан фатҳу зафарни ўзиники кўриб, журъат қадамини олдинга ташлаб, Ўратепа ва Жиззах¹⁸⁵³ ва Самарқандни тассарруфи остига олмоқни истади. Ўша аснода шу лашкар таркибидаги *қипчоқ* тойифаси қаршилиқ йўлига кириб, икки орада низо чикди. Лашкар аҳлининг катталари бундай ҳолда яхшилиқ аломатини фақат орқага қайтишда кўриб, йўналиш жиловини Хўқанди латиф томон бурдилар ва бахтли толе ва музаффару мансур ҳолда Хўқанди латиф ичига келиб тушдилар. Хўжанднинг фатҳ этилишига бағишлаб, Имом Али корий Қундузий яхши бир таърих иншо қилганди. **Таърих:**

Чун ба фармони шоҳ мулки Хўжанд,
Фатҳ шуд, дил аз он буд хурсанд.
Соли таърихи ў зи рўйи «даст»,
Ёфтам «зеби фатҳи мулки Хўжанд»
[Шоҳ фармони билан Хўжанд мулки,
Фатҳ бўлди, дил эса бундан хурсанд.
Унинг таърихин даст юзасидан,
«Хўжанд мулки фатҳин зеби» топдим].

Яширин қолмасинким, «зеби фатҳи мулки Хўжанд» сўзлари таърих моддаси бўлиб, «даст» сўзидаги «дол» ҳарфи унга қўшилса, бир минг икки юз эллик саккиз (1258/1842) сони ҳосил бўлади.

Хўқанд амирларининг Бўка қалъасини ва Тошканд вилоятини малик ул-мутаол лутфи билан фатҳ этганлари зикри

Фатҳу зафарга ёр аҳли лашкар Нав ва Хўжанд қалъаси томонидан қайтиб келгач, бир неча кун дам олиб, бир-бири кўнглидан ҳалиги кина ва кудурат занглари артиб ташлаб, эндиликда йўналиш жиловини Бўка ва Тошканд қалъалари томон сафарга чиқиш сари буриш борасидаги маслаҳатни ўртага ташладилар ва иттифоқлик билан бу ҳиммат ишини ул кифоятли вилоятлар томон юриш орқали амалга оширишда кўрдилар. Бундай сўз қарори аҳли лашкар катталарининг иштиёқ ва оғзи бирлиги билан юзага чиққач, бу машварат таъми шакар мазасидан лазизлик топгандек бўлди. Ён-атрофга ва тобе музофотларга одам юбориб, оз фурсат ичида илон тухуми каби кўп аскар йиғилди ва музаффар вал-мансур хизматига етишди. Ул вақтда ҳали мирбачча бўлмиш Малла Баҳодирхонни лашкарнинг сардори қилиб, Юсуф *мингбошини* бу шоҳзода ёнига қўшдилар. Аввал зафар қоидали ва нусратга ёр шарофатли фотиҳани Амири кабир ўқиб, сўнг эса хўжаста фаржом амирлар, илми кучли улуғ уламолар ҳамда ому хос «ғалаба Аллоҳдандир ва фатҳ яқиндир»¹⁸⁵⁴ оятини дилу тилда такрорлаб, ёмон кўзлардан асрасин учун шоҳзоданинг ярашиқли қаддига дам солиб //175^b, сафар сари рухсат бердилар. Олий ҳиммат шоҳзода салтанат раҳшига миниб, бахтли соат ва толе юлдузи ёмон фоллардан холи бир пайтда Қурама вилояти томон йўналди. Дарё ва тоғ, сахро ва баланд довондан ўтгандан сўнг Қурама вилояти сарзаминига етдилар. Ва Бўка қалъасидан ташқари Қураманинг амири кабир тобелигага қараган барча музофотлари қайтадан лашкар қўлига ўтиб, шу ерда бир неча кун дам олдилар. Лашкарнинг орқа ва олдин қисмларини бир ерга тўплаб, оталарча насихатга тўла муҳаббат ва мушфиқона тарздаги бир хат битиб, Бўка ҳокими Гадейбой ва Тошканд волийси Муҳаммад Назар *отолиқ* ҳузурига юбордилар. Хат-хабар етган заҳоти ул қалби кудуратли жоҳиллар бу маънини қабул қилмай, жангу жидол томонини тутдилар. Ул ёмон хиёнат кўрнамаклар ўттиз-қирқ йил бу вилоятда ўсиб-ўлғайиб, шу хонлик нон-тузи, балки энг катта бойлик ва обрўсига эга бўлганини унутдилар. Бу ҳолга қуйидаги бир байт муносибдир. **Байт:**

Мажу дурусти аҳд аз жаҳони пастниход,
Ки ин ажуза арўси ҳазор домод аст.
[Таги паст жаҳондан тўғрилиқ замонин излама,

¹⁸⁵³ Жиззах/Жиззах/Дизак (кичик қалъа дегани) – қадимий Истаравшанга тегишли истехком, қалъа. Самарқанд–Хўжанд йўлидаги муҳим ҳарбий стратегик жой бўлган. Ҳозир Ўзбекистонда вилоят маркази.

¹⁸⁵⁴ Қуръони карим, 61:13.

Чунки бу қари келин минг куёвликдир].

Алқисса, диловар шоҳзода ул калласи пўқларнинг гапни қабул қилмаганидан қудратли Аллоҳ паноҳига таваккал қилиб, Бўка қалъаси томон йўлга тушдилар ва бир неча масофани босиб ўтгач, қалъа яқинига етишиб, қўш ташладилар. Эртаси куни тонг билан, яъни тўртинчи қалъанинг шаҳриёри бу кўк гумбазли қалъа авжига заррин ипли арқонини ташлаб ва осмоннинг мустаҳкам қалъасини эгаллаб, туннинг ҳабаш юзли қўшини ва қоронғи сипоҳини таг-туғи билан қўпориб ва тарқатиб юборган маҳалда ҳар икки томондан уруш ноқораси чалиниб, бир томон ўзидаги қўрқинч ва душмандаги қаҳру ғазаб кучлилигидан шу заҳотиёқ ўз лашкар аҳли қаҳрамонларига орқага қайтиш рухсатини берди. Иккинчи томон лашкари эса ҳиммат юзасидан қалъа томон югуриб, уч қатор хандақдан ўтди ва лашкар аҳли ботирлари ул қалъанинг эшик ва дарвозасини остин-устун қилиб, қалъа ичкарасига кирдилар. Аҳоли молини талагач, жонларига омонлик бериб, қарор ва ором топдилар. Ва Гадейбой ўша тут-ушла, ўлдир-ўлдир асносида бошқа дарвозадан чиқиб қочаркан, уч жойидан қилич захмини еб, юз меҳнат ва машаққатда Тошканд томонга бадар кетди. Тонг отгач Тошкентга етишиб, қандай можаро бўлиб ўтган эса шуларнинг барини Муҳаммад Шариф *отолиқ* хузурида баён қилди. Мазкур *отолиқ* унинг оғзидан эшитган гапларининг барисини ҳикоят тариқасида битиб, чечанлик намунаси бўлган бир мактуб орқали Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳ хузурига юборди. Бухоро подшоҳи бир неча минг одамни Абдурахмон //176^a *митан*¹⁸⁵⁵ га қўшиб, уларга кўмак учун жўнатди. Ул Жайхун дарёсидек тўлқинланган қўшин Сайхун дарёси қирғоғига етишгач, манғит лашкарининг катта кўпчилик қисми ўзларида Фарғона лашкари зарбасига қарши кураш учун куч-қувват ва душман ҳамласини қайтариш бобида тобу тоқат йўқлигини кўриб, ўша келган жойиданоқ орқага қайтиб кетдилар. Абдурахмон *митан* минг бир тавалло ва ёлвориш билан икки юз нафарга яқин одамни ўзи томон оғдирди ва улар билан бирга келиб, Муҳаммад Шариф *отолиққа* қўшилди. Эшон Қори Қундузий Бўка қалъасининг Фарғона мулки шоҳзодаси қўли остидаги ғалабага ёр аскарлар томонидан фатҳ этилиши ва ул қалъа ҳокими Гадейбойнинг қочиб кетгани борасида яхши бир таърих айтганди. **Таърих:**

Чун қалъаи Бўка шуд ба зарби шамшир мафтух,

Аз он Гадейбой аблаҳ бигурехт.

Вале жуз он шарии муфсид,

Дар қалъа касе ки буд, мактул шуда.

Таърих талаб ҳаме намудам Комий,

Он пири хирад ки буд бо ман ҳамрах,

Гуфто ки «Гадейбой бежо рафт,

Мақтул шуданд мардумони Бўка»

[Бўка қалъаси қилич зарби билан олингач,

Ундан Гадейбой аблаҳ қочиб чиқиб кетди.

Лекин ул ёмон бузуқидан бошқа қалъада,

Қолган бари киши ўлдирилди.

Комий, таърихин сўрасам бу воқеанинг,

Менга йўлдош ул ақл пири деди:

«Гадейбой бежо қочиб кетди,

Бўка халқи эса ўлдирилди»

Яширин қолмасинким, охирги мисра таърих моддаси бўлиб, «қирқ тўрт» сонини исқот қилиш, яъни олиб ташлашга ишора мисраъдаги «Гадейбой бежо» сўзлари орқали амалга ошган. Шундан сўнг бир минг икки юз эллик саккиз (1258/1842) сони ҳосил бўлади.

Ўша вақт ва мазкур замонда жаҳон аҳли шоҳзодаси Бўка қалъаси фатҳидан сўнг тинчланиб, қўшини ичида қанча хаста ва ярадор бўлса, Хўқанд тарафга юбориб, ўзлари катта қўшин билан тўла шону шавкат оғушида Тошканд шаҳри томон йўналдилар. Йўл юриш асносида Тўйтепа¹⁸⁵⁶ қалъасини тасарруфи остига киритиб, шу кўйи ўтганча, Қаросув мавзесига бориб қўш ташлади. Эртаси кун тонг ёришгач, Жамшид мартабали соҳибқирон шоҳзода зафар паноҳли байроқни ҳилпиратиб, қиёмат аломатли кўчнинг шовқин-сурони билан оламнинг суву қуруқлик юзи ва етти иқлим мамлакатлари ён-атрофига зилзила солган кўйи ундан ортиғини тасаввур қилиб бўлмас даражадаги қўшин тортиб борувчилик йўсини ва мамлакат очувчилик қоидаси бўйича йўл сари юзланди ва манзилма-манзил олға босди. **Байт:**

Якрони давлат зери рон,

¹⁸⁵⁵ Митан – қирғиз-кипчоқларда уруғ номи.

¹⁸⁵⁶ Тўйтепа – Тошканд шаҳридан тўрт фарсах масофада жойлашган жой.

Чатри хумоюн бар забар.
Фатҳ аз ясору аз ямин,
Авни илоҳий роҳбар.
[Давлат оти оёқ остида,
Қутли соябон бош узра.
Ўнгу чапдан фатҳ,
Илоҳий мадад раҳбар].

Соҳибқироний чодирларни кайвон айвони сари ўрлатиб, фатҳу ғалаба оятларини хонликнинг зафар билан нақшланган байроқлари узра битиб, фалакка бош текизувчи соябон ойчаси қуёшнинг мунаввар гавдаси ва саодат сиймоли тожининг гавҳари Жамшид тожига нур бағишловчи, зафар шиорли байроғининг парчами ва ғалаба аломатли сочи занжири ҳурнинг анбар сочувчи туррасининг беазаги чақин кирдорли найининг садоси «Сур чалиниб келган кун»¹⁸⁵⁷ га дамсоз бўлиб, зафарга уланувчи қўшиннинг юриш ва қўш ташлашдан «Қачон ер ўзининг зилзиласи билан ларзага тушганида»¹⁸⁵⁸ мазмунини эсга соларди. Кабурга ва ноқора шовқини «у кунда сур чалингач»¹⁸⁵⁹ садосидек обнус лаган фалакка //176^б етарди. Бир неча манзил ва масофани босиб ўйгач, қутлуг мавкаб Бобон шўр мавзесига иззат ва иқбол чодирини жоҳу жалолнинг фалаки авжиге еткудек даражада қилиб чодир тикди. Айтиш лозимки, шоҳзоданинг бахт хислатли пойи-қадами бу ерга етишмасдан бурун Муҳаммад Шариф *отолиқ* ва Гадоёбой, Абдурахмон *митан* бир ойлик масофадаги Дашти қипчоқнинг бутун лашкарини тўплаб, мазкур тепанинг устига келиб, чодир ва саропардаларини ўрнатиб, истиқомат йўсини билан ўтирган эдилар. Эртаси куни, юлдуз қўшинли шоҳ кўк фалак майдонида учқур отини гижинглатиб, туннинг қора танли сипоҳини қувлаганча зар сочувчи байроғини ҳилпиратган маҳалда душманлар уруш ноқорасини чалдилар ва жанг учун кўзгалдилар. Икки тараф ҳам жанг ишини тартибга солиб, ҳамла ва зарба беришга шайландилар. Уруш майдонида дарранда шер ва жанжал тўқайида йиртқич шер бўлган қўшин ботирларининг тўқнаши юз бергач, оламни титратувчи, эгнига темир ташлаган, метин тошни кесар, сафга оро берувчи, уруш ўтини ёқувчи, душманни куйдирувчи, шерларни оёғи остига олувчи, арслон нафасли аскарлар Ҳотаф яшини, Осаф шамолидек бир-бири устига ёпирилдилар, жон олувчи найза ва қон сачратувчи қилич зарблари билан бир-бирлари томон ташландилар. Ҳарб оташ-ўти ва қатлу зарб олови гуриллаб ёнди. Уруш майдонининг чангу ғубори айланувчи фалакка етиб, қон томчилари яшин мисол қиличларидан булут ёмғирлари суви билан бирга қўшилиб ёға бошлади. Қоятошларни тешувчи найзалар уруш аҳли бағри ва синасини илма-тешиқ қилиб юборар ва довюрақларнинг руҳу-жони ўша тешиқлар орқали ташқари қочиб чиқар, ўқларнинг тез учар қушлари уруш майдони фазосида бургутсимон қанотини ёзиб, темир тумшуғи билан ёшлар қалбини чўқаларди. Шамширнинг тез ҳаракатланувчи наҳанги душман умри бунёди кемасини ҳайрат гирдобига чўктирарди. Анча олишув ва кўп ўлдир-ўлдирдан сўнг фатҳу зафар насими олий шоҳзода қўшини томон эсиб, эҳтиёжсизлик шамоли кулфат тупроғини Дашти қипчоқ лашкари устига сочди. Натижада ул сон-саноксиз сипоҳ шунча кеккайиши ва мағрурлигига қарамай, қочиш йўли сари юзланиб, кўпчилик асирлик қайди ва кишан занжирига гирифтор бўлдилар. Айримлар юлдузлар сингари қуёш шўълалари ханжарлар ёғдусидан сўниб, кўздан йўқолган кўйи қочиш йўли бўйлаб югуриб, қуёш нуридаги ғубордек ҳар томон тарқаб кетдилар. **Байт:**

Чу субҳ ханжари хуршед сар кашад аз ғуроб,
Ҳужумро набувад бешак аз гурез-гурез.
[Қуёш ханжари тонгда қоронғу ер остидан бош чиқаргач,
Ҳужумдан қочиб тарқамаган зот қолмас шубҳасиз.

Ва фотиҳ аскарлар қўлларини талон-торож томон чўзиб, жуда кўп уруш ғанимати ва ўлжа олдилар. Қочганлар кетидан ҳам тушиб, ўтқир қиличларини улар бош узра сармаб, ҳаётлари оловини қаҳр шамширининг суви билан ўчириш мақсадида қувлаб, душман галалари кетидан етиб олдилар. //177^а Улар «яна душман қалъага кириб олиб, унинг дарвозасини қаттиқ беркитиб, тагин жангу жадалга киришга имкон топмасин» деган ўйда ҳам эдилар ва чиндан ҳам бу иш учун омонлик фурсатини бермай, бирданига ўзларини қалъага урдилар. Муҳаммад Шариф *отолиқ* ва укаси Абдулалӣ¹⁸⁶⁰ *эшиқ оғоси*¹⁸⁶¹ ва Хонкелди Мирзо ва Раҳматуллоҳ Мирзо ўғиллари билан ва

¹⁸⁵⁷ Қуръони карим, 27:87.

¹⁸⁵⁸ Қуръони карим, 99:1.

¹⁸⁵⁹ Қуръони карим, 18:99.

¹⁸⁶⁰ Абдулалӣ эшиқ оғоси ва додхоҳ – 1259/1843-44 йили ўлдирилган.

¹⁸⁶¹ Эшиқоғоси – сарой махрамлари ва соқчиларидан. Дарбон ҳам дейишган.

Дарвишалихон қариндошлари билан асир тушиб, уларнинг оёқ-қўлига занжир солиб, кишанладилар. Гадойбой ва Абдурахмон *митан* қайси йўл билан келган бўлсалар, ўша келган йўлларига чиқиб, ура кочдилар. Дашти қипчоқ барча тобе ерлари билан бирга бутунлигича шоҳзоданинг тасарруфига кирди. Суюнчилатиб Амири кабир ҳузурига кетма-кет ва устма-уст одам юбордилар.

Замона хурсандлигидан шодлик наволари чалинишига ҳукм бўлди. Бир ҳафта, балки ундан кўпроқ вақт шу зайл ўтди. Шу воқеа ва шу вақт ичида асирларни бир нечта аравага юклаб, оғир занжирларни бўйинларига ташлаб, ажиб бир ҳолат ва қиёмат аломат вазият билан шаҳарга олиб кетдилар. Халқнинг катта-ю кичиги кўчаву бозорлар, тому деворларни тўлдириб, балки томоша учун икки фарсах, уч фарсах олдинга пешвоз ҳам чиқиб, бирга шаҳаргача эргашиб келдилар. Асирларни шу зайл шоҳлик жойи Ўрдага келтириб, ҳужралардан бирига қамаб қўйишни буюрдилар. **Байт:**

Эй дил, набувад давлату дунё жовид,
Зинҳор вафо мадор аз даҳр умед.
Анвори камолат расад охир ба завол,
Ҳар чанд ба авжи фалак боши хуршед.
[Эй дил, давлату дунё мангу бўлмас,
Дунёдан вафо умидини қилма ҳеч.
Етуклигинг нури бир кун заволга етар,
Қанчалик фалак авжида қуёш бўлсанг ҳам.

Амири кабир ягона яратувчига шукру сипос, ҳамду беқиёс адо қилдилар. Бир неча кундан сўнг Муҳаммад Шариф *отолқни* Ўрдудан чиқариб, уйига юбориб, хотини ва фарзандлари билан бирга кийноққа солдирди ва бир неча йил давомида Хўқанди латиф хонлари меҳрибонлиги туфайли орттирган молу давлатини топиб олдилар. Молу мулки ва еру сув каби бойлиги қолмагач, ул бебурд пасткашни қатлга буюрдилар. Бу воқеа қишнинг чиқиш фасли, яъни лой ва ёмғир мавсумида амалга ошиб, бир жойда доимий айланишни ўзига одат қилган жувоз отига эгарсиз ўтқазиб, шаҳарнинг кўчаву бозорлари бўйлаб айлангирдилар. Ундан ситам етган қайси бир аламзада бўлса, қўлига тошми-кесак, ходами-таёқ олиб, боши ва юзига урар эдилар. Шу зайл Пули хиштин кўпригидан ўтқазиб, ҳозирги кунимизда сув босиши натижасида бузилиб кетган собиқ идиш-товоқ бозорига етишган ҳам эдилар, бир неча бераҳм авбошлар отдан қулатиб, бошига оғир тош отиб, пачағини чиқарган кўйи ўлдириб ташладилар. Фарзандлари ва укаларини шаҳардан бадарға қилиб, орқаси бепоён ва кенг чўл бўлмиш Чаҳор боғ мавзесига юбордилар. Амири кабирнинг шариф кўнгли томон тўла тинчлик ва хотиржамлик юзланиб, ором ва қарор топдилар. //177^б Бунга бир байтни муносиб кўриб, шу ерда битдик. **Байт:**

Чун зи душман касе фароғат ёфт,
Жониби хушдили инон партофт.
[Душмандан хотиржам бўлган киши,
Хурсандчилик томон жиловин бурди.

Шу фатҳу зафар туфайли Тошканд вилоятининг Фарғона давлати хонзодаси қўли остидаги нусрат аломатли лашкар қўлига ўтганига Эшон Имомали қорий Қундузий яхши бир таърих айтиб, баён тизимида киритган эди. **Таърих:**

Ба амри мир Насруллоҳи муфсид,
Шуда Муҳаммад Шариф кайди хар.
Адув бо хони худ аз рўйи туғён,
Ба мулки Тошканд афтод бар сар.
Ҳавои жоҳ, то сўяш фиристод,
Сипоҳи беадад хони музаффар.
Ба дасти лашкари мансур аъдо,
Чунон шуд куштагари хун гашт аҳмар.
Ҳама рўйи замин то онки омад,
Нидои ал-омон дар гўши лашкар.
Чунон таърихи ин фатҳи фараҳнок,
Шуд андар хотири Комий муқаррар.
Ки гуфт аз рўйи беҳжат хотиф: «фатҳ
Шуда мулки адув, Аллоҳи акбар».
[Бузуқи Насруллоҳхон амри билан,
Муҳаммад Шариф каззоб эшак бўлди,
Душман ўз хонига кўтариб исён,
Тошканд мулкида тушди бошига,

Мансаб ҳаваси, то юборгунча,
Зафарли хон устига чексиз лашкар.
Ғалабага ёр қўшин қўлида душман,
Қони тўкилди ёниб қирмизи оловда,
Қизил ранг қоплади бутун ер юзин.
Душманнинг омонлик тилаган товуши,
Кирди ул қўшин қулоғига.
Бу қувончли фатҳ таърихи,
Комий кўнглида жой олди.
Бахт юзидан Ҳотиф деди:
«Душман мулки фатҳ бўлди, Аллоҳу акбар»]

Махфий қолмасинким, «фатҳ шуда мулки адув, Аллоҳи акбар» таърих моддаси бўлиб, унинг таълифидаги «рўйи беҳжат Ҳотиф» сўзларидан бир минг икки юз эллик саккиз (1258/1842) ҳосил бўлади.

Мазкур *отолиқ*нинг қўлга тушганини ҳам Эшон қори Қундузий рақам қилиб ёзганлар. Уни ҳам табаррук юзасидан бу ерда келтирдик. **Таърих:**

Муҳаммад Шарифи дун ки намак солҳо бихўрд,
Аз дасти хони мулк, шуда мутасаддии фасод.
Торожи моли мардуми Фарғона менамуд,
То омаданд халқ зи бедодаш ба дод.
3-он карда хони аср ба зўрияш дастгир,
Аз зажр дар қафаси оҳанин ниҳод.
То ёбад онки дар роҳи бад мениҳад қадам,
Аз дидани уқубат ў жодаи ришод.
Комий бигуфт дар пай таърихи ҳабси ў,
«Муҳаммад Шарифи кўрнамак дар қафас афтод».
[Пасткаш Муҳаммад Шариф йиллаб тузини еди,
Мулк хонининг, бўлиб бузуклик бошлиғи.
Фарғона халқининг молини таларди,
Халқ унинг зулмидан доду фарёд чекарди.
Шу сабабли аср хони уни ушлатди ва азоб
Бериш учун темир қафасга солдирди.
То топсин деб ким ёмон йўлга қўйган эса оёқ,
Чеккан азобидан энди катта тўғри йўлини.
Комий деди унинг қамалиши учун бу таърихни:
«Муҳаммад Шариф кўрнамак қафасга тушди»].

Яширин қолмасинким, «Муҳаммад Шарифи кўрнамак» иборасидаги ва «қафас» сўзининг ҳар иккаласида таърих моддаси жойлашган. Буларнинг иккаласидан бир минг икки юз эллик саккиз (1258/1842) чиқади ва у кўзда тутилган санадир.

Муҳаммад Шариф *отолиқ*нинг ўлдирилиш санасини ҳам мазкур Эшон қорий ёзув рақамига киритганлар. **Таърих:**

Чун кушта шуд ба хорий,
Муҳаммад Шариф *отолиқ* бар дасти аҳли Хўқанд,
Мақтул ғайри маъкул устои ақл Комий,
Қатлаш гуфто: «Зи рўйи инсоф: «Муҳаммад Шариф мақтул».
[Хорлик билан ўлгани сабабли,
Муҳаммад Шариф *отолиқ* Хўқанд халқининг қўлида.
Маъкул бўлмаган ўлимани Комийнинг ақл устои,
Қатлида деди инсоф юзасидан: «Муҳаммад Шариф ўлдирилди»].

Яширин қолмасинким, «рўйи инсоф»даги «алиф» ҳарфидан таърих моддаси бўлмиш ахтарилаётган сана сонлари бир минг икки юз эллик тўққиз (1259/1843) «Муҳаммад Шариф мақтул»дан ҳосил бўлади.

Шунингдек, Муҳаммад Шариф *отолиқ*нинг ота бир, она бошқа укаси Абдулали *додхоҳ*ни //178^a Чуст вилоятига юбориб, ўша ерда ўлдиртирдилар. Эшон қори уни ҳам таърих силкига чеккан эдилар. **Таърих:**

Ҳар ки омад дар ин жаҳон охир,

Рафт дар зери хоки маъдумий.
Пас ҳамин зиндагий ки мо дорем,
Набувад жўз вужуди мавхумий.
Ҳосили ин жаҳон пайи бунёд,
Бас ки нокомий асту мағмумий.
Додхоҳи замон, ки Абдуали,
Буд аз молу жоҳ маҳрумий.
Дид то кушта шуд ба теғи жафо,
Дар замоне, ки фитнаи шумий.
Чўбаш мезад чунонки фарқ надошт,
Рутбаи ходимий-ю *махдумий*.
Комий омад ба ёд таърихаш:
«*Додхоҳи* шаҳиду мархумий».
[Ким келган эса бу жаҳонга, ниҳоят,
Йўқлик тупроғи остига кетди.
Демак бу биз яшаётган ҳаёт,
Мавхумлик вужудидан бошқа эмас.
Бу жаҳонда қўлга кирадиган нарса,
Мақсадсизлик ва ғам-ғуссадир, холос.
Замон додини сўровчи Абдуали,
Молу мансабдан бўлганда маҳрум.
Жафо қиличи билан ўлиши сабабин кўди,
Ўзининг шум ишларидан барин.
Чун урганида одамларни, ходимми
Ёки *махдуми*, фарқсиз эди унга.
Комий, келди санаси ёдга:
«Шаҳид *додхоҳ*, мархумий»].

Яширин қолмасинким, «ёд» сўзи таълифидан таърих моддаси бўлмиш «додхоҳи шаҳиду мархумий» иборати бўйича бир минг икки юз эллик тўққиз (1259/1843-44) ҳосил бўлади.

Амири кабир Муҳаммад Шариф *оталиқ* воқеаси билан машғулликдан фориғ бўлиб, фароғат топгач, Тошканд ҳукуматини ўзининг доврүкли номи «Саримсоқбек» лақаби билан танилган азиз фарзанди ва етук катта ўғли шоҳзода Абдурахмонбек¹⁸⁶² ка берди. Шоди *додхоҳ*нинг бошини *баҳодирбоши*¹⁸⁶³лик унвони билан яна ҳам баланд кўтарди. Юқори мартабали хонзоданинг Тошканд амирлигига тайинланиши ҳақида Эшон қори битта таърих битиб, ул хужаста фаржом номига бағишлаган эди ва бу сана ушбу қитъа орқали юзага чиққан. **Таърих:**

Чун зи абнои хони Фарғона,
Онки дар синн зи дигарон аъзам.
Буд ў балки аршаду ашжаъ,
Аз далерони вақт ҳам ақдам.
Буд, хони замона хост ки ў,
Баҳри тасхири Тошканд қадам,
Пеш монад зи дигарон ки ба ў,
Ҳукми он мамлакат шуда маҳкам.
Лек вақти хуружи лашкари шоҳ,
Ба урузи табе равона алам,
Кард худ дар фарроши беморий.
Хуфт то онки бо шифое оям,
Фатҳи он мамлакат муқорин ёфт.
Ложарам шуд ба хотир хуррам,
Озими он диёр то ки расид,
Андар он мулк бо шукўху ҳашам.
Комий ин мамлакат муборак бод,
Гуфт, таърихи ў ҳамежустам.

¹⁸⁶² Абдурахмонбек/Саримсоқбек – Шералихоннинг катта ўғли. Тошкентнинг ҳокими (1842-1847) Мусулмонқули фитналари натижасида 1847 йили ўлдирилган.

¹⁸⁶³ Баҳодирбоши/ботирбоши - мунтазам қўшин аскарларининг бошлилари. Хонликда ҳар бир вилоятнинг ботирбошиси бўлган. Демак улар вилоят қўшинлари, кўр-қурон, ҳарбий захираларга ҳам жавобгар амалдор бўлган.

Зад дабири хирад ба рӯйи варақ,
«Даври хонзодаи шужоъ» рақам.
Баски тасриҳи номи некаш дур,
Аз адаб буд мизмараш одам.
Офтобе аст матлаи номаш,
Ки ба нураш мунаввар ин олам.
Ҳарфи сони-ю солису робеъ,
Нест жуз моҳи чаҳордаҳ бе кам.
Чун хамаи зулф агар мусанно шуд,
Ончи монд зи ном аз ў жўям.
Дар жаҳон то ки солу маҳ боқист,
Бод иқболу нусраташ тавам. //178^б
[Фарғона мулки хони абносидан,
Ёш жиҳатдан катталиги учун.
Эди у яна энг шижоатли, етук,
Замон ботирларидан илдамроқ.
Шу сабаб замона хони истади у,
Тошкандни олиш учун қадамини,
Олинроқ боссин бошқалардан, ки
Унга бўлди шул мамлакат ҳукми.
Лек шоҳ лашкарин чиқиш вақти,
Иситма тикди баданга ўз туғин.
Беморлик палосин ёйди тан аро,
Ётди топгунча шифолик ўзига.
Ул мамлакат фатҳи яқин қолганда,
Кўнгли шодланиб, ноилож ул дам.
Юрди ул диёр сари, етишиб унга,
Кирди шукуҳли ҳашамат ила.
Комий, бу мамлакат муборак бўлсин,
Деди, изладим таърихини ҳам.
Қилди ақл пири варақ узра,
«Даври хонзодаи шужо» сўзин рақам.
Яхши номин очик айтиш одобдан йироқ,
Ишора қилдим, номи матлаъси бир офтоб,
Ки нуридан мунаввардир бу олам.
Иккинчи ҳарфи-ю учинчиси-ю тўрти,
Эмас тўртинчи ойдан ўзгаси кам,
Зулфи қайрилиши агар истисно бўлса,
Қолганидан номини излайман.
Жаҳонда токим йилу оии боқий экан,
Иқболу нусрат унга ёр бўлсин доим].

Яширин қолмасинким, таърих моддаси бўлган «даври хонзодаи шужоъ» иборати таълифидан таърих моддаси чиқади. Биринчи матлаъга ишора қилинса, бир минг икки юз эллик саккиз (1258/1842) ҳосил бўлади.

Қипчоқларнинг муҳолифат йўлига киргани баёни ва амири кабирнинг уларни шаҳардан қувиб чиқаргани зикри

Азалий ирода ва ламязалий тақдирот содир бўлиб, замон инқилоби ва даврон ўзгариши оқибатсиз айёмни юзага чиқариб орага солгач, бу борада қиёмат куни келиши ва фасод оламидан бир аломатни халойиқ ўртасида пайдо қиладики, бунда қазову қадар бузукчилик ва туғён ясовчи бўлади. Бу муфассалнинг ҳикоясини дарёдил мусанниф рақам таҳририга ахборот тариқасида ва ўз кўзи билан мушоҳада қилгани бўйича шундай тарзда баён силкига чекиб келтирадики, амирзода саййид Саримсоқхон Юсуф *мингбоши* ҳамроҳлигида катта кўшин билан бирга Хўжанд ва Нов фатҳини амалга ошириб, журъат қадамини олдинга босиб, энди Ўратепани ҳам қўлга киритмоқчи бўлганларида лашкардаги *қипчоқ* қабиласининг айрим вакиллари оёқларини орқа-кейинга босиб, бу

ишга қаршилик кўрсатдилар ва кина-адоват юзасидан бундай юришга муҳолиф бўлдилар. Лашкар аҳлининг катталари аҳоли тинчлиги ва бу юриш фатҳу зафарини муборак санаб, ул бузғунчиларга нисбатан унчалик қаршилик мақомида бўлмай, фақат тушунтириш ҳикматлари ва панд-насихат сўзларини адо этиб, ул тойифага чечанлик сўзлари билан баён қилдилар. Лекин уларнинг биронтаси ҳам бу сўзларни ижобат қулоғи билан эшитмади ва қабуллик мақоми яқинига йўлатмади. Ниҳоят тарафлар ўртасида низо юзага чиқа бошлади, Буни кўрган лашкар аҳли бу нарса ички урушгача бориб етмаслигини назарда тутиб, шу кезде орқага қайтишни ғанимат билдилар ва музаффару мансур равишда амири кабирнинг тахти пойига етиб, ўз соҳиби давлатининг қўлини ўпиш шарафига мушарраф ва сарафроз бўлдилар. Ўша кезларда баъзи бир катталар исёнчилар орасига тушиб, икки тараф ярашиши лозимлигини айтишди ва икки ўртадаги кина-кудурат бартараф қилинди. Шу зайл орада бир неча вақт келишув таъмини татиб юрдилар. Лекин тағин *қипчоқ*нинг табиати эгри кишилари муҳолифат сари бош кўтариб, исён бошладилар //179^a ва куфрони неъматлик билан қаршилик йўлига кириб, келишув ишидан бўйин товладилар. Фасоҳат тилли насихатчилар яхшилик сари ҳидоятга қанчалик ундамасинлар, ул Зол пешаларнинг жаҳолати тандир ёлқини каби гуриллаб, адоват ва кинлари тутуни айланувчи фалак томон ўрлади. Ўртага тушувчилар уларнинг қоронғу қалбларига шу даража ишонч эътиқоди ва иймон назаргоҳи билан чуқур тафаккур, аниқ тилли сўзлар билан бу маънини етказишга уринмасинлар, имтиҳон маҳак (синовчи)лари адоват чанги елидан ўзгаси сари эсмади. Шу сабабли саодат нишонли Амири кабир ер юзини ул нопокларнинг беҳосил уруғидан тозалашни ва тинчу омонлик уйида эмин-эркинлик билан салтанатда барқарор ўлтиришни истади. Бу тўғри ўй-фикрдан ул эгри дил қора юракдилар огоҳ бўлиб, тунлардан бир кечаси ҳаммалари шаҳарнинг эшигу дарвозалари, қалъа тешикларидан қочиб чиқиб, Дуоб томонга бадар кетишди. Уларнинг нияти ўша турар манзилга бориб, барчаси бир ерга тўпланиш ва сўнг ёмонлик исёнини ўзларига касб қилишдан иборат бўлган. *Қипчоқ*ларнинг бу ярамас-ботил ўй-режаларидан амири кабир хабар топиб ва огоҳ бўлиб, тўнғич ва етук ўғли Абдурахмон(Саримсоқ)бекни ва Юсуф *мингбошини* ғалаба шиорли кўшин билан бирга ул муфсид ярамаслар сари юборди. Олий насабли шоҳзода тайёр турган лашкар билан йўлга тушиб, Марғилон шаҳрига бориб қўш ташлади. Ўша ерда бир неча кун истиқомат қилиб, нафас ростлагач, ўртадаги келишувга биноан ишончли элчиларни юбориб, мушфиқона насихатлар билан илгариги яқин иттифоқлик, қадимги туз-намаклик ҳаққини ўртага солдилар. Элчилар бир неча манзил ва анча масофаларни босиб ўтиб, озгина одамлари билан мақсаддаги манзилга етишдилар. Сўнг не ёзма ва не оғзаки хабарлари бўлса, орага солдилар. Аммо *қипчоқ* кўшинидаги айрим ўжарлар биргалашиб туриб, аҳмоқлик ва гумроҳлик кўрсата бошладилар ва элчиларни бе нили мақсуд, яъни мақсадларига етказмай, орқага қайтардилар. Чавандоз элчилар ўз вақтида амирзода ҳузурига етишиб, не гапу сўз бўлиб ўтган эса, барисини баён қилдилар. Давлат устунлари ва салтанат аъёнлари илдамлик қадамини ташлашга киришиб, Шаҳрихон томон боришга қарор қилдилар ва шу мақсадда йўлга тушиб, манзилу масофаларни босиб ўтдилар ва Шаҳрихон ичига кирдилар. Мақсадлари чаповул усули билан ул дев сифат кўчманчи биёбонгардлар устига //179^b босқинчи гуруҳларни юбориб, мол-қолларини яғмову торож қилиш ва ўзларини ер билан яксон этиш эди. Ғалаба аломатли лашкар орасида эса хабар етказувчи шайтон баёнли жосуслар яшириниб олган бўлиб, одамлар оғзига қулоқ солиб юрар эдилар. Улар ушбу режадан огоҳлик топиб, дарҳол тез эсувчи ел каби, балки ундан тезроқ суратда нимани эшитган бўлсалар, шуларни қабила аҳлига олиб бориб етказдилар. Бу ваҳимали хабар ва етишган даҳшатли гап миясида манманлик ва такаббурлик худди ари уясидаги каби жой олган дашт аҳли қулоғига етишгач, ғурур ва ёмонлик орасида оромлари қочиб ва қарорлари қолмай, бирданига ғафлатдаги хом, савдой ақлини даволаш учун бодом ёғи ва маъжун¹⁸⁶⁴ дан нажот, ҳозиқ табиблардан шифо сўрашга тушдилар. Анча излаб, ўзларининг бу аҳволларига тинчлик ва яхшилик бағишлаш маслаҳатининг энг тузук чорасини шайтон сифатли бошлиқлар ва дев манзилли катталарнинг бандалик ва бош эгишлик арзи билан бориб, ҳурматли шоҳзода оёғига ожизлик, эҳтиёж бошини қўйиб, айбларини кечиришни сўраш ишида кўрдилар ва шоядки, бу гап ижобат топиб, биз гуноҳкорларнинг айби устидан афв чизигини тортиб ўчирсалар, деган фикрни илгари сурдилар. Бу қарор таъми катта-ю кичикнинг таъбига ширинлик бағишлаб, ул жамоанинг баттоларида кирқ нафарга яқини иблис ҳар кун келиб, ундан васваса таълимини олгач кўча ва бозорларда одамлар иғвосига васваса қиладиган шайтоннинг устози Мусулмонқули бошчилигида йўлга тушдилар. Шаҳрихон шаҳрига етишгач, амирзода ҳузурига йўл топиб, бошларини шоҳзода оёғи остига қўйдилар ва узрхоҳлик учун тил очдилар. **Байт:**

Душман чу ба даст оядат, аз пой дар овар,
То боз ба дандон нагази дасти надомат.

¹⁸⁶⁴ Савдойлик, яъни телбалик касалини бартараф этиш учун ишлатиладиган дори аралашмаси.

[Душман қўлингга тушса, оёқдан қолдир,
То надомат бармоғин тишламагайсан сўнг].

Шунда жаноби сардори лашкар ва Юсуф *мингбоши* сафдар ширку риёдан холи олий бир маслаҳат билан амирзода хузурида бандалик арзини қилиб, шундай дедилар: - Эй шоҳ, бу бизга қони қўшилмасларнинг келгани яхши иш бўлди ва бу бизнинг бахтимиз ҳисобланади. Буларнинг гуноҳларини қилич тиғининг суви билан ўчиришдан ўзга чораси йўқ. Мен қул каминангизнинг умид-ла кутганим шуки, бизнинг ҳаққимизда меҳрибонлик қилиб, ҳаммасини чиқариб, аяб ўтириш нелигин билмайдиган қиличдан ўтказишимизни буюрсангиз, шундан яхшиси йўқ.

Ўша орада мазкур вилоят катталаридан бири саналган Кал Шоди шум ўрнидан туриб, талаблар ижобат //180^a бўлгучи соатда ғоятсиз арзадоштни салтанатли шоҳзода хизматига ушбу тарзда етказиб, баён қилдиким «буларнинг бари қабила ва улус бошлиқлари жумласидан бўлиб, ҳар бири обрў-эътибор ва шараф *сарҳанг*¹⁸⁶⁵ идир. Ҳар бир фирқа эса қўшин янчувчи ва дарранда йўлбарс ва кескир қиличу болта ва қариндошлик жиҳатидан бир-бирига қоришган сут ва шакар каби чамбарчас боғлангандир. Бунча халқни теги бедаригдан ўтказиш ўзимизга катта зарба бериш ва юзимизга қаттиқ дарра тушириш билан баробардир. Буларни ҳар бирининг ўз мансаб ва поғонасига қараб меҳрибонлик ва ғамхўрлик билан йўғрилган сийловга сазовор этган ҳолда изларига қайтариб юбориш лозим. Ишнинг хайрлиси ушбу асрор сири билан устундир». Бу жавобни рад этмоқ маъносида *мингбоши* тўғрилиқ юзасидан ҳалиги ақлли ва ҳиммат билан қоришиқ сўзларни белга мадор бериш даражасида қайта янгилаб, мақсади ҳосил амирзода арзига етказганча деди: Албатта адолат кўрсатмоғимиз айни савоб ва тўғри ишдир. Бироқ, айтганлари қабилада ул қавмга яхшилик қилишнинг вақти анча ўтган. Эндиликда биз ўзимиз ҳаққимизда қайғуришимиз лозим ва душманларга тепки зарбасини беришимизгина оқилларга хосу муносиб иш бўлажак. Агар ҳозир бу йиртқич хислатли бўрилар қўлимиздан соғ-саломат қутулиб, ўз ватанларига кетишса, етук ақлу фаросатимиз ва онгу заковатимиз шуни билиб турибдики, улар на сизларни соғ-омон қўйишади, на Шодийнинг қувончи-ю, на Юсуфнинг ғамини. Бу донолик фаросат юзасидан узоққа кетмайди. Чунончи бу маънида қалами таҳрири билан бир рубоий баён силкига тортганлар. **Назм:**

Басо раҳна ки асли маҳкамиҳост,
Басо андуҳ дар вай хуррамиҳост.
Басо фузало, ки пандаш нопадид аст,
Чу во бини на қуфл асту на калид аст.
[Мустаҳкамлик келтирувчи раҳналар ҳам кўп,
Шодлик келтирувчи андуҳлар ҳам кўп.
Пандида фойда кўринмас фозиллар кўп,
Чун ичин очсанг на қулф бор, на калит].

Алқисса, лашкар амирлари ўтроқ аҳолининг тинчлик ва фароғатини ўйлаб, йиғиннинг у ер-бу ери ва бурчак-бурчакидан баланд товуш билан азиз шоҳзодага Кал Шодий сўзига кириб, ул фитначи «ер юзида бузғунчилик»¹⁸⁶⁶ қилувчилар гуноҳини озодлик барот¹⁸⁶⁷ ига муносиб кўриш ва улар ҳаққида ҳаётнинг жонбахш хушхабарини ўлим зулумоти тутқунлигидан нур зиёси воситасида равшанликка чиқариш сўзларини айтишга киришдилар. **Байт:**

Аз жўйи ҳар ки қазо боз баст оби ҳаёт,
Зи жоми Хизр на бинад магар хуммори мамот.
[Кимнинг ариғини оби ҳаётдан тийса тақдир,
Хизр жомидан қондирмасми ўлим хуморини].

Ва давлат устунлари тўла иззат билан қайтиш жиловини орқага буриб, оз фурсатда салтанат қароргоҳига етиш шарафини топдилар. Бироз вақт осойиш топгач, Юсуф *мингбошини* вазирлик мансабидан бўшатиб, Марғинон сардорлиги билан бошини баланд кўтардилар. //180^b *Мингбошининг* собиқ ўрнига эса ул шумоёқ Кали Шодий ўтириб, ўлка аро салтанат вазирлиги байроғини хилпиратди. Бахт насабли лашкар ишлари билан ҳам бир неча кун шуғулланиб, ўз сукунат ўрнини улар орасида маҳкаму мустаҳкам қилишга эришди. Сўнг Юсуф *мингбоши* фонийлиги заволи учун кўзғалиб, баёнига ҳожат йўқ амири кабирга сўз олтинининг бўлмағур сифатли қоришмасини қабул тангаси зарбхонасига етказиб, Муҳаммадкарим *махрам*¹⁸⁶⁸ ясовулни озод бош бебошлардан бир неча нафари билан Юсуф *мингбоши* устига юбортириб, катлга еткарди. Ва *мингбошининг* шахидлигидан

¹⁸⁶⁵ Сарҳанг – лашкарбоши маъносида.

¹⁸⁶⁶ Қуръони карим, 2:60

¹⁸⁶⁷ Барот – вексел, чек, тилхат.

¹⁸⁶⁸ Маҳрам – хос соқчи, ходим ва хизматкор.

сўнг Муҳаммад Назар *фармончини* Тўрақўрғон ҳукуматидан ва Абдуллоҳбекни Водил ва Чимён салтанатидан бўшатиб, ишсиз қолдирди. Ва амирзода Абдурахмонбекка Тошканд фармонфармолиги етишиб, ўшал ўлка сари йўналиш жиловини бурганча чиқиб кетди. Вилоятлар ўтлоқзори шерлардан холи қолиб, кал вазир калта энгли узун қўли панжасини ҳар томон сари чўзиб, бирор кимсани «истаган кишингни азиз қилурсан»¹⁸⁶⁹ мартабаси билан давлат манзили устига чиқаришни истаса ва ким сари назар қаҳри саховатини ташласа, «истаган кишингни хор қилурсан»¹⁸⁷⁰ далоили билан йўқлик тупроғи узра бойқуш ва бойўғли билан ҳамнишин қилди. Мурувват деган нарсдан йироқ, на туз-намак ҳаққини билувчи, на кўрнамакни танигувчи бир галварс эди. Энг ажабланарлиси шунда эдики, Юсуф *мингбоши* бу кал ҳаққида ҳаддан зиёд лутфу марҳамат кўрсатган ва қазову қадар жаллоди қўлидан қутултириб, ўзига мувофиқ дўст ва ўтиришларига дамсоз улфат қилган эдики, тонг чоғи у йўқ бўлса, ўзининг ташна томоғини совуқ сув билан қондира олмас, яъни усиз бир қултум сув томоғидан ўтмас ва ҳамниша унинг табиати бўйича амал қилиб, бошини ўзича роҳат тўшагига қўймасди. Шу тарздаги яхшилиқка нисбатан ул шер зотли кишига минг-минг ёмонликни раво кўрди. Бироқ, шу воқеадан кўп ҳам ўтмай, ўзининг бошига ҳам минглаб бало тўфони ёғиб, минг уқубат кўрган жонсиз жасади тикан хор-зорлигида ҳаром қолган қўйи бирор девор тагида жаноза ҳам ўқилмасдан беному нишон кетди. Унинг баёни шу яқин орада тилга олиниб ўтилажак, иншооллоҳ.

Байт:

Ба ҳавас рост наояд, ба таманно нашавад,
Андарини роҳ баса хуни жигар бояд хўрд.
[Ҳавас билан ўнгланмас, илтимос билан битмас,
Йўл аро кўп қонлар ютишга тўғри келади бу иш учун].

Таворих аҳли соҳиблари Юсуф *мингбошининг* шаҳодат даражасига етганини қалам таҳрири тизими ва таърих баёнига киритдилар. Шу жумладан Эшон Қори Қундузий //181^a бир неча байтни баён ипига чекканди. **Таърих:**

Лутфи шоҳон дар камин теғи ҳасад дорад, магар,
Оламе дар ин жаҳон аз қурби султон кушта шуд.
Кал Юсуф карда сарфи макдами шах накди умр,
Чун тақарруб ёфт аз кайди ҳасуд он кушта шуд.
Кали Шодий аз роҳи ҳақду ҳасуд макр он қадар,
Кард к-ў дар мансабаш бинишаст то он кушта шуд.
Фикрати Комий бигуфто: гарчи нолойиқ бувад,
Соли қатлаш «Кал Юсуф моҳи шаъбон кушта шуд».
Вале устои хирад гуфто: «нодида даври макр,
Калу каввал аз кайди кали номусулмон кушта шуд».
[Шоҳлар лутфи пистирмада ҳасад қиличин тутиб турар,
Ахир қанчалар бу оламда султонга яқинликдан ўлмадими?
Кал Юсуф умр накдини шоҳ оёғи остида сарф қилган эди,
Шу яқинлигидан ҳасадчи найранги уни ўлдирди.
Кал Шодий ҳасад ва ичи қароликдан шунча макр қилд,
Ки, у ўлгач дарҳол ўрнига ўтириб, мансабига чиқди.
Комий фикрати деди ўлими санасин гарчи нолойиқ бўлса ҳам,
«Кал Юсуф шаъбон ойида ўлдирилди».
Лекин ақл устои деди: макр даврин кўрмай,
Кал ва кал эмас номусулмон бир кал ҳийласидан ўлди»].

Махфий қолмасинким, изланган таърих сони бўлмиш бир минг икки юз эллик тўққиз (1259/1843-44) сонини бу қитъадан икки хил тарзда чиқарса бўлади. Биринчи хил чиқариш ушбу тарика амалга ошади: «Кал Юсуф моҳи шаъбон кушта»¹⁸⁷¹ сўзлари таърих моддаси бўлиб, «лойиқ»даги «бир юз қирқ бир» сонига ишора ҳам қилинган. Иккинчи хил чиқариш охирги мисраъда таърих моддаси яширинган бўлиб, «даври макр» сўзларидаги икки юз қирқ сонини олиб ташлашга ишора бор.

Алқисса, ул замоннинг айрим кишилари Кал Шодийни доно ва ақлли киши деб ўйлашарди. Бироқ аслида эса бу даврда ундан нодон ва аҳмоқроқ киши топилмасди. Чунки қаерда чакқон киши ва тадбиркор ҳоким ва доно маслаҳатли ақлли одамлар бўлса, ўшаларни мансабидан бўшатиб, ўрнига

¹⁸⁶⁹ Қуръони карим, 3:26.

¹⁸⁷⁰ Қуръони карим, 3:26.

¹⁸⁷¹ 1259 йили шаъбон ойи 27 август 1843 йили кирган.

ақлсиз калтабин ва бебош авбошларни бошлиқ қилиб тиклади. Ана шундайлардан биттаси Каримқул *меҳтар*¹⁸⁷² бўлиб, кал уни Андижонга ҳоким қилди. Онасидан туғилган пайти ўғлининг бадсиёқлигини кўриб, хойнаҳой бу бола кофир бўлса кераг-ов, дея кўрққан отаси яхши ирим билан отини Мусулмонқули кўйган ва маккорлиги пойига ета олмаган лаънати шайтон ҳар кунги дарсини ундан ўрганадиган ва хотинлар макри борасидаги воқеаларни йиғиб, жилд-жилд китобларга жойлаган донишманднинг китоб ва дафтарларини ўзининг ҳеч ким билмаган навбатдаги макрини намойиш қилиб, энсаси қотган эгасини ўз ёзганларини ўтга ёқишга мажбур қилган макру хийлада уддабурон, қалби иблис васвасасига тўла аслий душман ва ёмон насли хонадан вакили бўлмиш Мусулмонқулини эса унга *баҳодирбоши* қилиб, ҳукумат тавсани жиловини шу аблаҳ қўлига топширди. Мусулмонқули давлат ва ҳукумат самандига минди ва жабру зулм қамчисини ўнг қўлига олди ва душманни ўлдирувчи заҳар сувлик шамширни белига боғлади. Эркин-эминлик билан ўзининг улус аҳли ва *қипчоқ* қабиласини яширин суратда ва шум ниятда бир ерга йиғиб, ваъдали бир вақтни тайин қилган кўйи қулай фурсатни кутиб ўтирди. **Байт:**

Жойи жўстижу натавон васли дўст ёфт,
Мавқуфи вақт бош ки ин кори давлат аст.
[Ахтариб ҳам дўст васлини топиб бўлмас,
Вақт-соатини кутиб тур, бу бахт ишидир].

Бу хабар //181^б ҳар бир кўйи ва шариф, қудратли ва ожиз табақа аҳлининг ҳуш қулоғига етишиб, ниҳоят амири кабирнинг ҳам муборак қулоғига чалинди ва ҳақир Кали Шодийга ҳам маълуму равшан бўлди. Дарҳол салтанат пойтахтининг сарҳангларида бўлмиш Хўжмуҳаммадбийга иноятнома бериб «бошдан қадам ясаб, ўта тезлик билан Андижонга борасан ва Мусулмонқул устига ташланиб, аёвсиз қиличинг дамидан ўтказасан, ҳар бир сония ғанимат, бу чоқ тўхтаб туриш вақти ва дам олиш соати эмас» деди. Хўжмуҳаммадбий тез суръатда отланиб, Андижон шаҳрига бориб тушди. Ўша кечаси борган жойида дам олиб, ўзининг айрим биродарларини чорлаб, улар билан ўтириш йиғинини ташкил қилди. Базмдан бўшагач, қадимий ёронлар бундай сафар воқеаси борасида ҳол-аҳвол сўраб, келажак ишлар қандай бўлиши ҳақидаги гап-сўзларни орага солдилар. Муғомбирликни билмаган ул соддадил бий ўзининг кўнглида бор сўзни ҳамнафасларига айтиб, ростлик баёни билан ўртага ташлади. Чунончи, ўрмон шерсиз, майдон мардсиз бўлмас, деганларидек, ўшал мажлисда *қипчоқ*ларга ихлосли ҳаммаслак бир нечта киши ҳам қатнашаётган бўлиб, бу одамлар иккита қулоғи, тўрт кўзи билан ҳамиша олам теварак-атрофи сари ахтариш қадамини ташлаб, ҳозирги замон ва келажак даврон ахборотиға сергаклик билан қулоқ осар ва жаҳонда рўй берадиган воқеаларни кузатиб юрардилар. Бу гапларни эшитганлари заҳоти секингина ва билдирмасдан ўринларидан туриб, ташқари чиқдилар ва жадал суръатда тез югурак хушхиром отларига миндилар ва ўзларини Андижонга Мусулмонқули ҳузурига етказиб, не воқеа бўлса шу ондаёқ барисини бир қолдирмай айтиб бердилар. Бу хабарни эшитган ҳамоно *қипчоқ* қабилалари улуғлари ва *қароқалфоқ* уруғи аҳолисига воқеаларни бошдан-оёқ хатга тушириб, ҳар томонга етказиб, халқ аро ёйдилар ва ҳар жойга хабар қилиб, элатлар аро тарқатдилар. Қабилалар аҳли ҳам ўз ҳолларидан огоҳ ва хушёр бўлиб, йўлга тушиш учун шай ҳолда хабар кутиб турдилар.

Алқисса, шу куннинг эртасига ақлу фаросатсиз Хўжмуҳаммад *қирғиз* Шаҳрихон шаҳридан йўл сари равона бўлиб, Андижонга етиб борди ва амири кабир иноятномасини Каримқули *меҳтар*га топшириб, хоннинг қанча меҳрибонлиги бўлса, баён тили билан изҳор этди. Каримқули *меҳтар* Хўжмуҳаммадбийни яхши бир уйга тушириб, муносиб зиёфат қилиш ишига киришди ва шу орада иноятномани ҳам Мусулмонқулига юбориб, воқеадан огоҳ қилган кўйи барча нарсани аён айлади. Мусулмонқули ҳам Каримқули *меҳтар* билан қавлу қарорни бир ерга қўйиб, кунни кечга улашди //182^а ва ўша зим-зиё зулмат анжомли қоп-қора тунда ажали етган Хўжмуҳаммад бийни ип-арқонсиз ва юган-эгарсиз майдон саҳнига келтириб, шўрпешона бошини бахти қаро танасидан жудо қилдилар.

Байт:

Ҳар чи хост қазо даст дод,
Раст равон тухми умеди ки кошт.
[Такдир нимани истаган бўлса, рўй берди,
Эккан умиди уруғи равон униб чиқди].

Эртасига тўртинчи қалъа шаҳриёри кўк гумбазли бу қалъа устига олтин арқонни ташлаган ва осмоннинг мустаҳкам қалъасини эгаллаб, туннинг ҳабаш танли кўшини ва қора қуюнли лашкарини тарқатиб, ҳар ёнга путратиб юборган тонг маҳали Мусулмонқули ўзининг *қипчоқ* улусини бир ерга

¹⁸⁷² Меҳтар – катта, улуғ амалдор дегани.

йиғиб, Андижон ва Шахрихон музофоти лашкари билан Намангон томон йўлга тушиб, кун оғиб, тун маҳалида Тўрақўрғонни остин-устин қилди ва у ернинг Каримқули *меҳтар*дан ҳам баттар қатъиятсиз ва ланжу сустроқ бўлган ҳокими амир Ҳожи *додхоҳ*ни боғлаб чиқиб, қонидан майдон сахнини ҳино каби қип-қизил рангга бўяди. Ва бу воқеанинг даҳшатли хабари Худонинг ерда азиз қилган кишининг шарофатли қулоғига етишгач, баданида бошдан-оёқ ҳайрат оширувчи ғамнинг олови туташиб, ишнинг иложига чора топиш билан машғул бўлдилар. Фан аҳлининг билимдонлари сўз равақини «амирзода Абдурахмонхонга бир иноятнома юборайлик, хат етиб боргани заҳоти шошилиш қаноти билан равона бўлсинлар, бу томондан эса қўшин сардори ва бу ўлка *мингбошиси* бўлмиш шум оёқ Шодий кал чексиз сонли лашкар билан ул қонхўр жамоат устига юборилса, ул кўрнамак хиёнаткорлар йўлини тўсган кўйи шояд ҳар томонга қочириб, тор-мор этар. Агар бу ерда тураверсак, мабодо вилоятнинг теварак-атрофини ўзиники қилиб олса, бу диёрнинг иши яна ҳам қийинлашиб, оқибати ёмон бўлажак» даражасидаги нуқтага етказдилар. Бундай тадбир фикри мажлис аҳлига таъсир қилиб, дарҳол амирзодага чечанлик ва фасих сўзлик намунаси бўлган бир иноятнома ёзиб, унда «хат етиши билан ўзингизга ҳаялламоқни жойиз кўрмай, Тошканд ва Дашти қипчоқ лашкари билан жуда тезликда етиб келсинларким, воқеа аҳволи бундоқ-бундоқ эрур» қабилидаги гапларни битган кўйи ишончли бир одам орқали шошилиш равишда равона қилдилар. Шумоёқ ва бу ўлканинг фитнагар аблаҳи Шоди калнинг ўзи эса катта қўшин тўплаб, Фурумсарой йўли билан юрганча Сайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Фурумсарой қалъасига кирди. Эртаси куни тонг чоғи олтин //182^б гардишли офтоб машриқ томондан кўриниш бериб, ўз жамолини кўрсатгач ва оламни ўзининг ёғдули нури билан ёруғ ва мунаввар қилгач, Фурумсарой қалъасидан чиқиб, Чуст вилояти сари кетди ва ўша кунисиёқ Чустга бориб тушди. Ўша кун ва тунни жанг тайёргарлиги учун барча нарсани шай ҳолатга келтириб, камчиликларни тўлдириш ва бузилганни тиклаш ишлари билан ўтказдилар. Эртаси куни қуёш подшоси тез юрар отини осмонда ҳаракатга келтириб, юлдузлар лашкарига ҳужум уюштириш мақсадида фалак қаъридаги кавкаблар кўшини сари отланиб, зар сочувчи шамшир ва олтин аломатли найзалари зарби билан тумтарақай тарқатиб юборганида, **байт:**

Субҳ ки зи шоҳи машриқи ҳужум,
Пароканда гаштанд хайли нужум.
Заданд аз фалак қудсиён роҳи жанг,
Ба чарх омад ин чархи ойна ранг.
Биғуррид нойу бинолид кўс,
Саросима шуд гунбази обнус .
[Тонгда машриқ шоҳи ҳужумидан,
Юлдузлар хайли сочилиб кетганда.
Тутишди фалакдан қудслар уруш йўлин,
Айлана бошлади бу ойна ранг чарх.
Най бўкирар эди, ноқора гумбирлар,
Обнус рангли гумбаз кўркувга тушди].

Султоний чоштгоҳ чоғи икки томондан ҳар бир тарафнинг марди майдон ботирлари ўзларини урушга чоғлаб, жанг майдони сари юрдилар. Қаторлар яқинлашгач ва сафлар юзма-юз бақамти келгач, руҳдан ясалган сурнайлар навосининг товуши баланд осмон авжига ва олий қубба тепасига етишди. Ҳарбий ноқоралар шовқини ва уруш табу ноқорасининг гумбирлаши кайвон айвонидан ошиб ўтиб, осмон қулоғини тешди. **Байт:**

Бар омад садои хуми ҳафт жўз ,
Бар овард аз чархи нилий хурўш.
Зи фарёди кўси фалак иқтидор,
Жаҳон шуд пур аз наъраи гиру дор.
Расиди ба гўши жаҳон бедаранг,
Зи овози ў муждаи хуноки жанг.
[Етти хил темирдан ясалган хум берди садо,
Сўнг нилий осмонда янгради нидо.
Қудрат фалаки ноқораси сасидан,
Жаҳон тўлди «тут-ушла» наърасига.
Тўхтовсиз жаҳон қулоғига етарди,
Жангнинг совуқ хабари овози].

Ва тоғ уларни кўрганда маҳобатидан ҳасад ўтида қуювчи ва осмон улар салобатидан қуёш улканлиги хаёлини миясидан чиқариб ташловчи ҳар икки қиёматасар лашкар қасос ва низо учун

кўзгалдилар ва қимматбаҳо матоҳ бўлмиш жондан кечиб, уруш ва жангу жадал сафларини туздилар.

Байт:

Диловар далерон бо фарру ҳанг,
Ду саф рост карданд аз баҳри жанг.
Сипоҳе бо ойини кину фитнасоз,
Ҳама саркашу тунду гардан фароз.
Карда саф ҳама тунду пурхошжўй,
Ба саҳти-ю қувват чу фулодрўй.
Ҳама бешаи разро нарраи шер,
Ба дарёйи ҳижо наҳангу далер.
Яко як ба жон гашта жўёни кин,
Фиканда ҳам аз қаҳр чин дар жабин.
[Мағрурлик ила кўркмас ботир юраклар,
Икки сафга тизилдилар урушмоқ учун.
Бир қўшин кину адоват қоидаси билан,
Бари ўжар, тезобу боши осмон мисол,
Тортди саф бари тезобу уруш истар.
Қаттиқлик ва кучда пўлат юзи каби,
Бари жанг майдонида эркак шердир.
Уруш денгизида аждаҳо ва ботир,
Адоват билан бир-бири жони қасдида,
Қаҳрдан пешонасин босган ажин].

Лашкар ичи адоват-кинга тўла суворийлар даҳшатидан маҳшар майдониға айланди ва тупроқ маркази фалак беқарорлигидан бошқача ҳолатга тушди, тақоварлар наъли чангидан офтоб чашмасининг кўзи бекилди //183^a ва отлар туёғи ғуборидан ер юзи сатҳи ўз боши узра кулранг парда тортди. **Байт:**

Зи гарди саворони Баҳман¹⁸⁷³ инон,
Сипехри дигар бар фалак шуд аён.
Чунон бар фалак рафт гарди сипоҳ,
Ки шуд пардае рўйи хуршеду моҳ.
[Баҳман жиловли отлиқлар чангидан,
Фалакда бошқа бир осмон пайдо бўлди.
Қўшин чанги фалак сари кетгач,
Қуёш ва ой юзига парда тортилди].

Алқисса, ул икки катта лашкар ва чексиз сонли қўшин бир-бири қаршисида тўла тартиб билан садди Искандардек саф тортишгач ва ботирлик тавсанини баҳодирлик майдонида гижинглатиб, эгар-жабдуқлар устига ўрнашиб ўтиргач, фитна кўзготувчи суворийлар ва фитна-ю урушга ошно диловарлар яланғочланган жанг қиличларини кўтариб ва хаттий найзларни ўқталиб урушни бошлаб юбордилар ва худди ажал туркига ўхшаб, қўлларини жону мол талон-тарожи учун чўздилар. Ҳар тарафдан қаҳр самандини бир-бири устига қараб суриб, курашга солдилар ва қиличу найзанинг иккисини бир, бирини икки қилдилар. **Байт:**

Фурў рехтанд аз ду жониб сипоҳ,
Далерони хасм афкану кинахоҳ.
Ба ҳам чун ду лашкар бар омехтанд,
Гирефтанду куштанду овехтанд.
Зи баче куштагари теғ шуд сарнагун,
Чу дарё замин мавжзан шуд ба хун.
Ҳаво тира гашт аз синони дирафш,
Дарахшиданд теғҳои бинафш.
Чу як соат аз кинажўйи гузашт,
Пур аз кушта шуд рўйи ҳомуну дашт.
Фиканданд бар хок чандон сарон,
Ки аз куштае пушта ба ҳар карон.
Аз он акси мавж дарёйи хун,

¹⁸⁷³ Баҳман – Сосонийлар сулоласининг асосчиси Ардашер Бобакон (226241).

Замин баҳри Хазару фалак нилгун.
[Кўшиннинг икки ёнидан қуйилдилар,
Душман янчар уруш талаб ботирлар.
Икки қўшин ташлангач устма-уст,
Ўлим, ушлаш, ёқалаш бўлди одат
Қиличдан кўп одам ер тишлади,
Ер денгиздек қондан кўпириб-тошди.
Ялтироқ найзалардан осмон қорайди,
Бинафша қиличлар ялтирай бошлади.
Жангдан ўтгач бирор соат бу дамда,
Дашту сахро юзи ўликлардан тўлди.
Думалатдилар неча бошларни тупроққа,
Теварак-атрофда кўтарилди ўликлар уюми.
Ундан қон денгизин акси бўлиб намоён,
Ер Хазар денгизи, мовий эрди осмон

Майдон саҳни қизил ёқут конига айланган ва юлдуз ҳашаматли отлар чангидан осмоннинг ёруғ кўзлари тийраву қоронғу бўлиб кўринарди. Диловарлар ҳамласи югуришидан товланиб-эшилган зиреҳ зулф ҳалқаси очилиб кетарди ва ботирларнинг қон сиришклари байроқнинг қора тусли туррасига бакан рангини берарди. Икки тарафдан томон қўшинлари бир-бир бири билан олишишга киришган ва қўлларини бир-бирининг ёқаси томон чўзганча шиддат билан урушиб турган ва йўналиш юзини бир-бирини қириш сари қаратиб, дашт аро наҳанг сингари сузиб юрган ва ўзларини жанг денгизига ташлаган пайтда *қипчоқлар* Шоди калнинг жувонғори томон от солдилар. Ниҳоятда ботирлик орқасида моддий ва руҳий нарсалар холиқи инояти кўмагига таваккал ва давлатнинг янги чиққан зўри кучига суяниб ўткир қилични душманлик қинидан чиқариб, Шоди калнинг олд қисмини ҳамла шамоли билан ҳар ёнга сачратиб ва тарқатиб юбордилар. Ўша куниси лашкар аҳлининг кўпчилиги кину адоват оташининг шўъласида ёниб кул бўлдилар //183⁶ ва айримлари пайкон ва жон олувчи найза учидан ер тишладилар. Ниҳоят *қипчоқлар*нинг давлати қуввати ва шавкатининг зўр иқболидан ул чексиз сонли сипоҳ қалбига чунонам қўрқув ва ҳадик тушдики, ҳеч бир тўхтовсиз ихтиёр оёғини истикбор жодасидан тортиб, юзни қочиш водийси сари қўйдилар. Ожиз қушлар бургут чангалидан чўчиб ва нотавон ҳайвонлар йиртқич шер ҳамласидан ҳуркиб қочгани каби, олд-орқасига қарамай қочишга тушдилар. Қайси раббоний иноят ва чексиз субҳоний лутф *қипчоқлар* тойифасини музаффар ва мансур қилди ва уларнинг нусрат оятли байроғини «Ўзи хоҳлаган кишини ғолиб қилур. У қудрат ва раҳм шафқат эгасидир»¹⁸⁷⁴ мазмуни билан зафар авжи узра ҳилпиратди. Ва Кали Шодийнинг сипоҳи шунча ҳарбий асбоб-ускуна, ҳамла ва зарб яроқларига қарамай енгилиб, худди алифбо ҳарфларидек барчаси бирданига сочилиб кетдилар ва нотавонлик қўли билан «Ал-фирор»¹⁸⁷⁵ камарига осилдилар. **Байт:**

Гуруҳе ҳама даштии пўстпуш,
Чу гург омада ҳар яке дар хурўш.
[Эгнига тери ёпинган бир гуруҳ даштлик,
Бўридек увиллашга тушгандилар].

Саркардалардан Мўъминхўжа *додхоҳ*, Раҳматуллоҳ *додхоҳ*, Юнус *додхоҳ* каби бир нечтаси қарашса, иш ўзгача, шунда ўзига қарашли қўшин билан қўлларини тақовар жиловни томон чўзиб, орқада қолдилар. Кал Шодий ва Беканбий *юз* ва бошлиқлардан яна бир нечта қочоқлар эса асиру бандилик тузоғининг занжирига тушдилар. **Байт:**

Саодаташ ба ҳамин гунаву ба рўйи замин,
Зи хусравон биситонанд ба бандагон бахшанд.
[Саодатини шунингдек ер юзида,
Шохдан олиб, фақирга берарлар.

Алқисса, *қипчоқлар* музаффар ва мансур асирларни олдига солган кўйи орқасига қайтиб, ўз манзилгоҳлари қароргоҳига бориб тушдилар. Ўша кечаси Кали Шодийни бир неча хос кишилари билан бирга асл жойлари бўлмиш асфаласофилин даргоҳига жўнатдилар.

Энди Фарғона мамлақати аскарларининг сардори бўлмиш Кали Шодийнинг душман билан урушда ўлдирилиши санасига келсак, у қуйидаги иккита таърих қитъада акс этгандир. Ўшандан биринчи **қитъа:**

¹⁸⁷⁴ Қуръони карим, 30:5.

¹⁸⁷⁵ Қуръони карим, 33:16.

Кал Шодий бо сипоҳи хиттаи Фарғона чун гашт сардор,
Аз хужуми фитна тоқат тоқ шуд.
То ки аз фармони у *қипчоқ* рўй партофта.
Теғ бар кафи ҳар яке бо қатли ў муштоқ шуд.
Ложарам сардор бо фавжи сипоҳи бекарон,
Бар сари он қавм рафту кор бар вай шоқ шуд.
Баски *қипчоқон* зи ҳар сў бар сари ў тохтанд,
Ончунон к-зи ваҳми мурдан ҳалқи он кал қоқ шуд.
То далере бар гулўяш рехт аз шамшер об,
Ҳам аз он лашкар чунон жорий бар он офоқ шуд.
Жўйи хун к-андар ҳисоби куштагонаш ҳар чи гуфт,
К-зи монеъ ки тавон гуфтан ки ин иғроқ шуд.
Фикри Комий баҳри таърихаш бигуфт аз бедилий,
«Каллаи Шодий алам бар найзаи *қипчоқ* шуд».
/Кал Шодий Фарғона ўлкаси қўшинига бўлгач сардор,
Фитна хужумидан бўлди тоқати кўп тоқ.
Чунки фармонидан *қипчоқ* эли ўгириб юз,
Ҳар бири қўлида қилич, унинг ўлимига бўлдилар муштоқ.
Ночор сардор чексиз сонли қўшин билан ул қавм устига,
Борди-ю, аммо иши ўнгидан келмай барбод бўлди.
Қипчоқлар ҳар тарафдан унинг устига ёпиришди,
Ўлимидан ҳайқиб ул калнинг ҳалқуми тарашадек қотиб қолди.
Бир ботир келиб томоғини сувдек ялтироқ қиличдан ҳўллади,
Лашкари ҳам жаҳон аро ёйилиб кетиб, пароканда бўлди.
Қондан ясалган ариқлар ўликлар сонини билдириб турарди,
Муболағасиз айтса ҳам бу сон ҳисобсиз даражада эди.
Қўрқувдан Комий фикри таърихини айтди,
«Шодийнинг калласи *қипчоқ* найзасига туғ бўлди»].

Муаррихлар кўнглига аён бўлсинким, охирги мисраъ таърих моддаси бўлиб, «дил» лафзига ишора қилинганким, ундан бир минг икки юз олтмиш (1260) ҳосил бўлади ва бу қатл таърихи сони 1260/1844га тенгдир.

Кал Шодий қатлига оид иккинчи қитъа янглишиб, ҳошияга ёзилган. **Таърих:**

Кали Шодий кал Юсуфро ба қатл оварду сол,
Ногузашта аз мукофоти амал ночор шуд.
То ки ў мақтул шуд ҳам таъмаи зоғу заған,
Зи ин адо Комий ба таърихаш чунин ашъор шуд.
«Баски хуни кал Юсуф кал Шодийро гирифт,
Аз сари иқбол бигзашту ажалро бор шуд».
[Кал Шодий кал Юсуфни ўлдирди, бир йил
Ўтмай туриб ўз амали ажридан ўзи ҳам ўлди.
У ўлганда ва қарға-қузғунга ем бўлганда,
Бу иш бобида Комий таърига бу шеърни битди.
Кал Юсуф қони кал Шодийни роса тутди-я,
Иқболдан кечиб, ажал хузурига борди].

Билмоқ лозимким, иккинчи модда бўлмиш «хуни кал Юсуф» иборалари ва «кал Шодий» сўзларининг ҳар биридан ва «ажал» калимасидан таърих моддаси чиқиб, ишорат қилинган ўша мазкура моддалар таълифига ва «сари иқбол» ибораси ундан бўлмиш «алиф» ҳарфи исқотигаким, иккинчи модда бўлмиш «Кал Шодий» лафзидан ўшал мазкура адад маҳсули 1260/1844 воқеъ бўлажак.

Ярамас кал Шодий Юсуф *мингбошини* ўлдиргандан сўнг бир неча ой ҳам яшамай, қилмишига яраша жазосини олди.

Ниҳоят ишлар якунига етгач, Мусулмонкули катта қўшин билан Хўқанд томон отланишга шайланди.

Энди шоҳзода Абдурахмонбек воқеасидан бир шингил эшитинг. Жаноб шоҳзода хизматига амири кабирнинг иноятномаси етиб боргач, дарҳол Тошканд ва Дашти *қипчоқ* лашкарини олиб, йўлга

тушдилар. Бир неча манзилни босиб ўтгач, Шаҳидон¹⁸⁷⁶ мавзесига келиб тушган ҳам эдиларки, қочоқларнинг олди ўша ергача етиб келди. Барчаси саросимага тушиб, шоҳзода пишиб тайёр бўлган обу овқатга ҳам қарамай, йўлга тушган кўйи ярим кечаси Хўқандга кириб бордилар //184^a ва отасининг қўлини ўпиш шарафига мушарраф ва сарафроз бўлдилар. Шу тунни мақсади ҳосиллик ва кўнгил сўрашлик ҳамда ишни қандай ўнглаш ва яхши натижа билан йўлга кўйиш бобидаги маслаҳат билан ўтказиб, тонг оттирдилар. Хуршид Жамшиди кўчмас ва кўчар юлдузлар сипоҳи қасдида зарнигор лашкарни жилога киритган ва ҳабаш кўшинини қувлаб солган чоғи, яъни субҳидам тонг маҳали эса олам аҳли шоҳзодаси одамлар тинч-омонлигини ўйлаганча кўшинни урушга тайёрлаш ишига киришиб, уни шай ҳолатга келтириш юмушларини бажарди ва нусрат асарли аскарларнинг зарур ишлари ихтиёри тизгинини ўзининг ишонган кишиларидан ва Тошканд вилоятининг сарҳангларида бири бўлмиш Давронбек¹⁸⁷⁷ ибн Одилбек *тожик* Кўҳистоний¹⁸⁷⁸нинг қўлига топширди.

У томонда эса *қипчоқ*лар Намангон, Тўрақўрғон, Чуст вилоятларини фатҳ қилдилар. Шундан сўнг Чуст шаҳридан кўчган кўйи Хўқанд сари йўналдилар ва Сайхун дарёси бўйини ўзининг душманни янчувчи аскарларининг чодир утовлари тикилган кўркам жойга айлантдилар. Ўша манзилда давлатнинг устунлари ва мамлакатнинг аъёнлари билан юриш ёки тўхтаб туриш борасида «ишларингизда бир-бирингиз билан маслаҳатлашинг»¹⁸⁷⁹ масали бўйича машварат расми билан маслаҳатга ўтирдилар. Амирлардан баъзилари «юрғандан кўра шу ерда тўхтаб туришни қулайроқ» деб топишди, айримлар «Худо берган ҳолга мос ҳол билан душман қаерда турган бўлса, ўша ёққа бориб ғаним устига ташланайлик ва қандай шаклда маъқул бўлса, шундай тарзда урушайлик, бу амирлар айтаётган маслаҳат эса кўп хато эрур. Аниқдурким, агар биз бу манзилдан илгари жилмасак, яъни аксинча тўхтаб турсак, хасм ботирлашади ва бизни кўрқди, деган фикрга бориб, булар биздан кўрққандан тўхтаб қолишди, деган ўйда дадил тортишади» қабилдаги маслаҳатни арзга етказдилар. Улар яна «шунча катта кўшин билан келганимизни ҳам эсда тутайлик ва таваккал қўлини моддий ва руҳий нарсаларни яратган холик инояти сари чўзиб, ушбу «Аллоҳга таваккал қилинг, Аллоҳ таваккал қилувчиларни севади»¹⁸⁸⁰ мазмунича таваккал қилайлик» дейишди. Салтанат амирлари бу маслаҳатга таҳсинлар айтдилар. Эртаси куни осмон кавкабларининг султони олтин ёғдули қиличини қасос кинидан чиқариб, сон-саноксиз юлдузлар боши узра сармаган кўйи уларни феруза ранг фалак майдонгоҳидан ҳайдаб солганча тум-тарақай қилган маҳалда, етти иқлимнинг тез санар муҳосиблари сон-соноғига ета олмай ожиз қолувчи ғалаба аломатли аскарлар шижоатнинг мардлик қадамини мардоналик водийсига кўйиб, жасурлик ва баҳодирлик юзини кўтардилар ва кин-адоват раҳшини эгарлаб, юзни жангу разм майдони сари қаратган //184^b кўйи зафар нишонли байроқларни яратганнинг сақлови ва малики мастаъон ҳимояси остида бахтли бир соат ва кутли юлдузли бир аснода Сайхун дарёсидан кечиб ўтиб, ердан осмонгача жойни ўзига майдон қилган ғалабага ёр сипоҳ ва бу ердаги уруш манзили, жангу жидол мақомига ҳали бу каби лашкар қадам босмаган кўшин ва ханжар санчувчи қуёш ва найзадор миррих фалак доварлик майдонида заррингор байроқни хилпиратганча бундай шуқуҳли гуруҳни ҳеч бир саф ва маърака ки турмаган шундай ҳайбат ва шуқуҳ билан келиб, шаҳарга ярим фарсахлик жойдаги Тўқайтепа мавзесига Холмуҳаммад бой боғига нузули ижлол буюрдилар. Амири кабир қалъадорлик ишига киришди. Бегона лашкарнинг етиб келгани ва амири кабирнинг қалъани беркитгани хабари ён-атроф жойларгача ёйилгач, жаноб султоний «ишларингизда маслаҳатлашинг»¹⁸⁸¹ мазмунига кўра машварат ишига киришиб, хужаста фаржом амирларни кайвон тартибли даргоҳга чорладилар ва дур сочувчи ва гавҳар тўқувчи тилни чиройли сўзларга очдилар. Султонликнинг муҳим ишлари билан шуғулланувчи ва салтанату жаҳонбонлик ишларининг мутасаддилари бўлмиш мақсади ҳосил хоқонлар ва иқтидорли султонлар давлатнинг юксак пояли юлдузи билан ва ҳашаматли шаҳриёрлар кадр ва манзилатнинг жуда баландлиги ва етуклигидан салтанат авжига кўтариладилар ва умидлари омонлигнинг қимматли ёдини бахту иқболнинг аъло даражалари ва иззату камол меърожи ақсосида тулуъ қиладилар, икки ишга мустаниддирлар. Биринчиси, яхши йўл энг шижоатчи шижоатда олдинлик қутулиши яхши тариқасида қадам ва ройи ойнаи суввар чехрагушойи айний ва мироти жамол намоий лорайбийдир.

¹⁸⁷⁶ Шаҳидон/Шайдон – Сирдарёнинг ўнг тарафида жойлашган жой. Ҳозир Тожикистондаги Суғд вилояти таркибида.

¹⁸⁷⁷ Давронбек – Қаноатшоҳ оталиқнинг укаси. 1842-1844 йй. Тошкент ботурбошиси бўлган. 1847 йили Сарисоқбек ўлимидан сўнгра Бухорога кетган эди.

¹⁸⁷⁸ Кўҳистон – Бу ерда Кўҳистон бугунги Тожикистоннинг шимоли-шарқида жойлашган тоғлар (Қоратегин, Фарм ва Давроз худудлари назарда тутилган).

¹⁸⁷⁹ Қуръони карим, 3:159.

¹⁸⁸⁰ Қуръони карим, 3:159.

¹⁸⁸¹ Қуръони карим, 3:159.

Муқаррардурким, қачон бирор инсон бошига нуроний феруз кун замон ҳодисалари сабабли қоронғи тун каби зулмоний бўлса, юлдуз ақли шўъласи билан ва зойиб тадбири машъаласи билан ки бир учқундир шўъладир «Аллоҳ Ўзининг нури билан хоҳлаган кишини ҳидоят қилур»¹⁸⁸² бавориқидан бироҳат вадийсидан ва махофат водийсига нажот ва саломат ўлкасига йўл олиб боради. Алқисса шу маслаҳат ишлари билан бир неча кун илгари бориб, лашкар аҳлининг барчаси ва шаҳар халқи фуқаролари ва соҳибзодалар ва олам олимларининг //185^a ҳаммаси қалъадан чиқиб, душманга рўпарама-рўпара урушишга қарор қилдилар. Бу хатарли фикр барча ёшу қарига бир хил маъқул бўлиб, эртаси куни кавкаблар султони Доро ойинли кўшин тонгда юзини ойдек қилиб кўрсатганда, **Байт:**

Чу бинамуд шоҳи кавокиб сипоҳ,
Дар ойинаи субҳ рухсори моҳ.
Камар баста афсар ораста,
Чу шоҳпаре шаҳр ораста.
[Юлдуз лашкарли шоҳнинг,
Кўрингач тонг ойнасида ой юзи.
Камар боғлаб, саф безади,
Шоҳпардек шаҳрни зийнатлади].

Ҳазрат аълонинг султонлик ҳукми чиқди ва салтанат байроғини ҳилпиратиб ва шукр тилидан ушбуни баён қилди: Ҳар тарафдан зафар паноҳли лашкар ва фуқаролар мушфиқона илтижо билан Марғинон дарвозаси ташқариси томон юриб, душманни йўқотиш учун Аллоҳга таваккал юзини қаратсинлар.

Бу барча бўйсунмоғи лозим бўлган вожиб ил-изон фармонга биноан зафар жанобли сипоҳ ён-атрофдан йўналиш байроғини кўтариб, шошилинич тезлигида ва шитоб йўсини билан олға йўналиб, тайинланган жойга ошиқдилар ва фалакка етувчи соябон соясида қарор ва ором топдилар. Шаҳар дарвозаси ташқариси осмон аломатли аскарнинг лашкаргоҳига айлангач, ул ердан Давронбек тожикнинг сардорларидан бўлмиш юқори мақомли амирлардан бир нечтасини қиёмат асарли лашкарга кўшиб, ярамас *қипчоқлар* устига равона қилдилар. Лашкар аҳли кўк денгиздек кўпириб ва тошиб душман турган ерга бостириб бордилар. Ўша ерда улардан бир гуруҳи тайёр бўлиб, рақиб қадами етиб келишини кутиб тургандилар. Ўзларини тез югурак, тез қадам, елдек учар, чақин аломатли туёқли отлар устига отдилар ва тошни тешар найза ва сина тешар найзани ўнг қўлига ва ялтироқ, ўткир бўйин кесувчи қиличларни белига тақиб, қаҳрамонлик юзастидан сабот ва қарор оёғини маҳкам тираб довураклик юзини жанг майдони сари қаратдилар. Томонлар тўқнашуви ва сафлар қарама-қаршлиги «икки денгиз туташуви» маънисини юзага чиқардилар. Ва икки ёндан томонлар сипоҳи ҳарбий ноқора ва жанг найларини чинқиратиб, сурон тантанаси шовқинини айланувчи гардун лаганига етказдилар. Ноқора садоси ва ёшу қари товушу ҳайқириғи билан фалак томидаги малакни қар қилдилар. Ҳар икки томондан елдек учар чавандозлар темир совут ичра ғарқ ҳолда дев гавдали отлар устида ўз душманлари сари ёпирилдилар. Бу жаҳон аро фақат олам-олам қилич ва найза, темир хафтанлар кўзга ташланар эди. //185^b Булар худди чиний ойналар нури шўъласи сингари атрофни худди куёш каби ёғдулантлар, мисрий қиличлар нурининг партави учқунидан ҳар томонда чакмоқ чақин ялтирар эди. Довруқли довураклар ва фил гавдали шер овловчи баҳодирлар елдек учар шамол кирдорли тилло кежимли шоҳлар минувчи отларда жанг ва саваш сари майл билдириб, урушни азму жазм қилиб, ташқарига от чоптириб, бир-бирлари устига ташландилар. **Байт:**

Бар омад зи қалби ду лашкар хурўш,
Ва расид осмонро қиёмат ба гўш.
Ду лашкар ба ҳам бар заданд аз байн,
Ту гуфти заданд осмон бар замин.
Зи боридани тир ҳамчун барфу тагарг,
Ба ҳар гўша бархост тўфони марг.
[Икки лашкар қалбидан чиқди ҳайқирик,
Осмон қулоғига қиёмат хабари етди.
Ўртадан отилган икки лашкар бир-бирига ташланди,
Худди ер билан осмон тўқнашгандек бўлди.
Ўқнинг қору дўлдек ёғишидан,

¹⁸⁸² Қуръони карим, 24:35.

Ҳар бир бурчакда қўзғолди ўлим тўфони.

Омонлик товуси йўрғалашдан тўхтаб қолди, зоғ каби камон бир бурчакни ихтиёр этган эди, лочин жанг саҳросида пару қанот қоқиб, руҳ қушини овлаб, сайд қиларди.

Байт:

Ба ҳар суй овози зоғи камон,
Шитобон шуда зи осмон гургсон.
Тиру нўғи камон карда жонҳо сутух,
Фишофиш кунон тир бар ҳар гуруҳ.
[Ҳар томонда камон қарғасин саси,
Бўридек увиллаб келарди осмондан.
Камон ўқи пайкони жон оларди,
Виз-виз қилиб ўқлар ҳар томон учарди].

Жанг олови шундай аланга олдики, забонаси осмон сари ўрлади ва уруш шўъласи учқуни шундай ёндики, нойираси кайвонга етарди. Тарафлар ботирлари ва томонлар муборизлари жондан дилни узиб ва ширин жонини йўқлик сари қаратиб, найсон фаслидаги момоқалдироқ сингари ва қамишзорга тушган ўт учқунлари каби бир-бири устига отилдилар. Ва ботирлик қиличини санчиб ва шижоат найзасини отиб, бир-бирининг бош ва елкаси узра санчардилар. **Байт:**

Сипоҳ аз ду жониб камонҳо ба жанг,
Равон карда ҳар гўша тиру хаданг.
Бикуштанд чандон зи ҳар ду гурўҳ,
Ки шуд хоку дарё чу ҳомуну кўҳ.
[Қўшин икки томондан, камонлар жангга,
Равон қилиб ҳар бурчакка ўқ, найза.
Ўлдирдилар қанчани ҳар икки гуруҳдан,
Тупроғу дарё бўлди худди саҳрову тоғ].

Томоғи қақраган қиличлар довурақлар қони шаробидан мастлар каби бош чайқай бошлади ва жафо найзаси жонлар ғорати учун ўғирлик қўлини чўзди, ажал элчилигининг ўқи оғзини очди ва маҳорат ханжари амалга эътироз тилини чоғлаб, қанчалик найза улоқтирмасин, қалқон олдини олиб, бардош берди. **Байт:**

Ба хунрезий равона шуд тири дилдўз,
Вале бижусту жоне меситад музд.
Даҳон дар гўши мардон карда суфор,
Сухан мегуфт к-инак навбати кор.
Мубориз куштаи шамшир гашта,
Ба хуношомий аз худ масир гашта.
Ҳамехандид теғ аз ҳайкали мард,
Ба ханда гиряйи хунрез мекард.
//186^a Ба гармий тавсанон чун барқ гаштанд,
Миёни обу оташ ғарқ гаштанд.
[Дил тикувчи ўқ қон тўкишга кетди,
Қўзғалди-ю бир жонни текин қўлга киритди.
Найза тиши оғзини мардлар қулоғига тутди,
Сўзларди: мана етишди иш навбати ҳам.
Мубориз шамширга ем бўлиб,
Қон тўкиш ишини ўзидан соқит қилди.
Шамшир мард гавдасига куларди,
Кулгу билан қон тўкувчилик йиғисин қиларди.
Иссиқдан отлар учқун каби бўлишди,
Ўту олов ўртасида ғарқ бўлишди].

Алқисса, тарафлар ўшал кўрқинчли жой ва хатарли ерда қўлларидан келгунича саъй-ҳаракат қилдилар. Ва ботирлик юзасидан саботу қарор оёғини маҳкам тираб, бир-бири билан олишдилар. Оқибат кудратли давлат кучи орқасида иноят насими «Аллоҳ хоҳлаган кишини ғолиб қилур»¹⁸⁸³ кўрқинчидан эсди ва ғалаба тонги «аслида ғалаба фақат Аллоҳ ҳузуридан келур»¹⁸⁸⁴ уфқидан отди ва

¹⁸⁸³ Қуръони карим, 30:5.

¹⁸⁸⁴ Қуръони карим, 3:126; 8:10.

қипчоқларнинг буюклик ва иқбол қуёши «ғалаба Аллоҳдан ва фатҳ яқиндир»¹⁸⁸⁵ ва «у имон келтирадиган кишилар учун раҳматдир»¹⁸⁸⁶ матлаъсидан кўриниш берди. Мансур лашкар эса душман зарбаси ва ҳайбатидан енгилган ва мағлуб бўлган кўйи қочишни ихтиёр этиб, юзини чекиниш сари тутди ва бевафолик тупроғини мурувват кўзига сочдилар. **Байт:**

Яке дод аз каф инони мурод,
 Зи болои рахши ҳавас дар фитод.
 Яке таркаш афканду бадҳол монд,
 Зи парвоз чун мурғ бе бол монд.
 [Бири кўлидан мурод жиловин берди,
 Ҳавас оти устидан ерга қулади.
 Бири таркаш отди-ю, ёмон ҳол қолди,
 Учиб, кушдек қанотсиз қолди].

Дахшату шитоб кучлилиги ва ваҳшату изтироб кўплигидан «у кунда киши ўз оға-инисидан ҳам қочур»¹⁸⁸⁷ сурати юз бериб, олов сочувчи қиличлар тафтидан ва жонни куйдирувчи пайкон шўъласидан қўшиннинг кўп қисми ва бечора фуқароларнинг анчаси ҳалокат тупроғи узра ер тубан кулаб, ул халқнинг жасаду тани бир неча кун сахро ва экинзорлар ўртасида қолганча қарғаларга ем бўлди. Қисик кўз қипчоқлар эса тўқсон икки уруғ кўп қабилалар билан шаҳар аҳли томошабинларини неча бир ёлонғоч қилиб, зое қилдилар ва ўлжа, уруш асбоб ва қуролларини ҳаддан ташқари кўп даражада қўлга киритган кўйи қочганларни қувлаб бориб, шаҳарга кирдилар. Ва ул қавмга нисбатан ишончи кучли бўлган амири кабир душман кириб келмасдан бурун ўзини шаҳар ичига олиб, шаҳар аркида жойлашган эдилар. Амири кабирнинг катта ўғли Саримсоқбек *амир лашкар* Бухоро йўналиши томонга чиқиб, қорасини кўрсатмай кетди. Давронбек *тожик* эса ўзини Тошканд томонга урди.

Алқисса, қабила аҳли ва уларнинг сардори Мусулмонқули қипчоқ ва Муҳаммад Назар Кўр ўғли ва бошқалар шаҳарни забт этиб, бир ҳафта давомида уламо ва фузалони бир ерга тўпладилар ва хон кўтариш маслаҳатиға киришдилар. Ниҳоят анча изланишдан сўнг //186^б гап қайтиб келиб амири кабирда тўхтади ва маслаҳат иттифоқи алар жанобларида қарор топди. Қайтадан алоҳида равишда ок кигизга ўтқазиб, кўтарган кўйи салтанат қароргоҳига ўтқаздилар. Уламо ва фузало ҳамма кўлини дуога кўтариб, амири кабирнинг дуои жонини бажо келтирдилар, сўнг эса ўз уйлари сари тарқаб кетдилар. Аммо ҳукуматнинг ихтиёр жилови Мусулмонқули қипчоқ кўлида қолди. Имом Али қори Қундузий шунга бағишлаб, қипчоқлар томонидан қалъанинг қамал қилиниши ва шаҳарнинг улар томонидан босиб олиниши ва Саййид Шермуҳаммадалихоннинг ул гуруҳ билан урушгани ва олий мансабли хоннинг енгилгани ва Муҳаммадалихон ғозий амирларининг сабил қолганларидан кўпининг ўлдирилгани ва мамлакатнинг ул қавм кўли билан эгаллангани борасида муносиб бир таърих айтган. **Таърих:**

Зеҳи бо фазлу дониш буд кам зўр,
 Амири мулк аз туғёни қипчоқ.
 Ҳаросон омада дар шаҳр мардум,
 Ҳама гаштанд маҳсурони қипчоқ.
 Ба хони хештан гуфтанд охир,
 Ки мо бошем помолони қипчоқ.
 Ту то кай бо фароғи бол нишини,
 Аз он рў шаҳ сўйи майдони қипчоқ.
 Бар омад, лек сардорони корий,
 Ҳама гардида мақтулони қипчоқ.
 Гурезон шоҳ боз омад ба жояш,
 Музаффар гашта сардорони қипчоқ.
 Мусаххар сохтанд он мамлакатро,
 Вале шаҳ аз ҳавохоҳонии қипчоқ.
 Шуда бар тахти хоний аз ҳукумат,
 Нишасте дид аз эҳсони қипчоқ.
 Ажаб набувад кунун таърих Комий,
 Агар хоҳи «мағлубони қипчоқ».
 [Қаранг, фазлу илм бўлса ҳам кучсиз эди,

¹⁸⁸⁵ Қуръони карим, 61:13.

¹⁸⁸⁶ Қуръони карим, 27:77.

¹⁸⁸⁷ Қуръони карим, 80:34.

Мамлакат амири қипчоқ исёнидан.
Шаҳарда одамлар кўрқувга тушди,
Барча қипчоқдан қамалиб олди.
Ниҳоят ўз хонига дейишди:
Қипчоқ оёғи остида эзиламизми?
Қачонгача бемалол ўтираверасан?
Шу сабаб шоҳ қипчоқ жанги томон,
Чикди, лек ишга яроқли сардорлар,
Бариси қипчоқ томонидан ўлдирилди.
Қочиб шоҳ яна келди ўз жойига.
Қипчоқ сардорлари ғалаба қилишиб,
Мамлакатни ҳам эгаллаб олишди.
Лекин шоҳ қипчоқ тарафдорлиги сабаб,
Ҳукумат учун яна шоҳлик тахтига чикди.
Қипчоқ эҳсонидан бу ўтиришни топди,
Ажаб эрмас Комий, энди таъриhini,
Изласанг «қипчоққа енгилганлардан»].

Яширин қолмасинким, «мағлубони қипчоқ» таърих моддаси бўлиб, етмиш беш сон исқотига ишора қиладиким, ҳисобий услубда «ажаб» лафзи шундан иборатдир. Демак, бундан бир минг икки юз олтмиш (1260/1844) ҳосил бўлади.

Модомики гап қипчоқ ва ўзбекнинг қабила, аймақлари баёнига етишган экан, энди бир неча сўзни ўзбекнинг аймақлари ва тўқсон икки уруғи баёнида гапириб ўтиш муносиб кўринади. Бир ҳадис борким, унда «Қола ан-наби алайҳиссалом: Ут-турк асои фа ман шатамаху асои фақад адабатаху биласои» Яъни пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: Турк менинг ҳассамдир, ким туркка сўкса, ул ҳақорат қилгувчини мана шу таёқ-ҳасса билан адабга чақиргумдир». Ҳадисда машҳурдиким «Қола ан-наби алайҳиссалом: //187^a Ут-турк хайр ул-уммата» Пайғамбар алайҳиссалом демишлар: Умматимнинг энг яхшиси туркдир». Ва ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Аҳмад ибн Мастувфий – *Аллоҳ ундан рози бўлсин* – ҳазрат расулуллоҳ алайҳи васалламдан сўрадиларким, эй Аллоҳ элчиси, ўзбек қайси пайғамбар наслидандур?

Расулуллоҳ *с.а.в.* буюрдилар: Ўзбек Ўзғон пайғамбар наслидандур. Ўзғон пайғамбар эса Ўрмиён пайғамбар наслидан, Ўрмиён пайғамбар Малик Толут наслидандир, Малик Толут Яҳудо наслидан, Яҳудо ҳазрат Яъқуб пайғамбарнинг фарзанди, Яъқуб пайғамбар ҳазрат Исҳоқ пайғамбарнинг фарзанди, Исҳоқ пайғамбар Иброҳим пайғамбар – *алайҳиссалом* – наслидандур. Ва ўзбек етти орқа айланиб ҳазрат Иброҳим пайғамбарга уланади. Пайғамбар *алайҳиссалом*нинг ҳадиси бор: «нисбаика аъсони зарбиҳим аъсони». Ўзбек она томондан ҳазрат Биби Сорага етишади. Лекин ҳазрат Иброҳимдан – *алайҳиссалом* – фарзанд бўлмаган ва Аллоҳ и таолодан фарзанд тилаган. Вожиб ул-вужуд эса унга икки фарзанд ато қилган. Бири Исмоил *алайҳиссалом* ва иккинчиси Исҳоқ ан-набий. Ва ҳазрат Исмоил *алайҳиссалом* наслидан ҳазрат расулуллоҳ *с.а.в.* вужудга келганлар. Ҳазрат Исҳоқ *алайҳиссалом* наслидан бани Исроилнинг етмиш минг пайғамбари вужудга келган. Бир нақл бордурким, саҳобалар пайғамбар *алайҳиссалом*нинг кофирларга қарши урушларидан бирида жанг қилардилар. Кофирларнинг сони бу урушда кўплик қилиб, пайғамбар асҳоблари ожиз келдилар. Пайғамбар *с.а.в.* ҳар ёнга югуриб, ёрдам илинжида теварак-атрофга боқардилар. Шу аснода саҳронинг бир томонидан бир жамоат пайдо бўлди ва барчаси келиб, расулуллоҳнинг кўлини ўпиш шарафига мушарраф бўлдилар. Ва ҳазрат расулуллоҳ *алайҳивасаллам* шоду хуррам бўлиб, араб тилида «азрабахум» дедилар. Ул жамоат араб тилини тушунмадилар. Шунда форсий тилда «бизанед» дедилар. Тагин тушунмадилар. Ҳазрат пайғамбар *с.а.в.* ҳазрат Абу Бакрдан «бу одамлар ким эрурларким, на арабий, на форсий тилни билурлар?» деб сўрадилар. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ – *Аллоҳ ундан рози бўлсин* – дедилар: - Бу одамлар турк элидандур ва Туркистон вилоятидан ва отам Абу Қаҳофа жамоасидандурлар.

Шундан сўнг шакар сочувли тили билан туркча лафзда //187^b «урушунгиз» деб буюрдилар. Ул жамоат ҳазрат расулуллоҳ *с.а.в.* топшириғи билан куффор сафи қаршисида жойлашган кўйи жангга киришдилар. Озгина ҳаракат билан куфр аҳлига шикаст етказиб, душманни тор-мор қилдилар. Бу тахлит билан ислом қуввати зиёда бўлди. Шундан сўнг пайғамбар *с.а.в.* меҳрибонлик билан «ут-турк аъсои фаман шитам аъсои фақад адаба билаъсои» яъни турк умматим менинг ҳассамдир, ким уларни ёмон сўз билан ҳақорат қилса, ойдин шариат ҳукми бўйича ул шахсга таъзир вожиб бўлур».

Ва ул жамоа тўқсон икки киши эдилар. Барисининг отаси бир киши эди. Яъни булар Абу Қаҳофанинг ўғил авлоди эди. Ҳазрат Абу Бакр ҳам шу киши ўғлидир. Алар ўғли Муҳаммад

Муҳаммад Султон Дилдор ўғли ва ўғли Хойиз Султон ўғли Султон Абулғози ўғли Қаюз ўғли Султон Ҳаким, ўғли Султон Сафо, ўғли Султон Жалолиддин, ўғли Тўлош Бобо, ўғли Салой Қубой. Салой Қубой замонида унинг авлоди тўқсон икки уруғ ҳаммаси молдор ва фарзандларининг бариси камолга етиб, вилоят ободонлик сари юз тутди. Шундан сўнг уларнинг каттароқлари биргалашиб, «бунча кишининг бир ерда ўтириши ҳикматдан эмас, бунақада худо кўрсатмасин вақти келиб, орада низо ва жанжал кўпиши ҳеч гапмас. Ҳар бир жамоа ўзига тобе кишилар билан бирор жойни ўзлари учун тайин қилсин» деган қарорни билдиришди. Шу гапга барчаси розилик бериб, тўқсон икки урук бўлиб, ҳар бири бир жойга кетиб ўрнашдилар. Уларнинг номи ушбудир: Тотор ва мўғул, минг, юз, қирқ, энг, ўнгожит, жалоир, қўнғурот, олчин, арғин, сарой, найман, қипчоқ, чакмоқ, бурлоқ, самаржиқ, бўлотжи, катағон, келажи, кенагас, буйрик, уйрот, қиёт, хитой, қангли, ўз, чубложи, қўйчи, буют, жабит, жилчут, бўёт, ўймовут, орлой, керойит, ўнлик, тонгқут, манғит, чолжут, масъат, маркит, бурқут, киёт, қаролос, ўклон, қори, араб, ийложи, чубурғон, қишлиқ, керой, туркмон, дурман, тобин, тома, замдон, мийтан, уйшун, буря, хофиз, уюрчи, жуйрот, бидой, банош, турк, бажкир, сулдуз, азок, қолмоқ, //188^a қароқалфок, наводон, қирғиз, тубой, тилов, кироди, сактиён, қирқин, ширин, ўғлон, курлот, бағлон, чинбой, чилкас, уйғур, арғор, бобу, торғил, турғон, қаҳат, дочор, кучолик, саврон, баҳрин.

Айтиш керакки, авлиёнинг айрим улуғлари ўзбек уруғлари ичидан чиқишган. Ҳазрат шайх Маслаҳатиддин Хўжандий *қатаган* уруғига мансуб бўлганлар. Ҳазрат Юсуф шайх *хитой* бўлганлар. Қодир шайх *жалоир* бўлганлар. Қул Лам шайх *дўрмон*, Бобо Тўклик азиз *мангит*, Бахшойиш шайх *қипчоқ*, ҳазрат Баҳоуддин *керойит*, Жаъфар Ото, Юлғунлиғ Ото, Эломон Бобо *замдон*, Миср Али шайх *олчин*, Охунд Азизон ҳам *керойит* бўлганлар. Ягон шайх ҳам *қатагандир*. Бизомуқ шайх *қароқалфокдир*. Мавлавий шайх *қўнғуротдир*. Халитжи Ото *уйшун*, Қувват Ото *сергели*, Ямғурчи Ото *ширин*, Йилқичи Ото *гончи*, ҳазрат Исҳоқ ... бўлганлар. Сало Ото *наймандир*, Оқ Тўнлуқ Ото *минг* бўлганлар, Худойқули шайх *сарой*, Йиғлоғон Ото *керойит*, Юнсиз Ото *қиётдирлар*, валлоҳу аълам (тағин худонинг ўзи билгувчидир.)

Сайид Шермуҳаммадалихоннинг иккинчи марта иззат тахтига ўтириши

Амири кабир қайтадан салтанат тахтида қарор топгач, ҳар бир вилоятга *қипчоқ* аҳлидан бир *қипчоқ*ни ҳокимликка тайинлаб, мулло Холбекни Тошканд вилояти ҳукумати билан сарафроз қилди. Мулло Холбек тўла улуғворлик билан бориб, Тошкентга кирди ва вилоят ҳукумати ишларини қўлга олди ва Давронбек *тожикка баҳодирбошилик* мансабини инъом қилди. Бир неча вақт шу зайл ўтди. Шу аснода *қипчоқлар* ғалабаси зарбидан қочиб, Бухоро вилоятига кетган хонзода Абдурахмонбек Бухоро подшоҳидан ёрдам олиб, Тошкандни қайтариб олиш умидида Чаҳордара қалъасига келиб кирди. Бу хабар Тошканд вилояти бўйлаб ёйилди. Дарҳол мулло Холбек *қипчоқ* Давронбек *баҳодирбошини* Тошканд лашкари билан бирга амирзода устига жўнатди. Мазкур Давронбек анча йўлларни босиб ўтиб, Сайхун дарёсидан кечган кўйи Чаҳордара //188^b мавзесига етишди ва ўз хонзодасини кўрган заҳоти бир-бири билан ваъда ва аҳду паймонни бир ерга қўйганча мирбаччани олиб қайтишди. Мулло Холбек *ўзбек* амирзоданинг шаҳар аркига кириб келганидан хабарсиз қолди. Келганлар туйқусдан ҳаммаёқни остин-устун қилиб, *қипчоқларнинг* барисини мулло Холбекка қўшиб қўлга олишди ва улардан бир нечасини ўлдиргач, мулло Холбекни қариндош-туққанлари билан бирга аравага ўтказиб, Бухорога амир Насруллоҳ подшоҳ олдига юборишди. Улар амир Насруллоҳ хузурига етишдилар ва амир буларни бир неча кун сақлагач, яна қайтариб Хўқандга жўнатди.

Энди бир неча сўзни хонзода Абдурахмонбекдан эшитинг. Хонзода Тошканд шаҳрига кириб, душманни босиб-янчиб, Тошканд вилояти ҳукумати тахтига ўтирди. Давронбекни яна аввалги *баҳодирбошилик* мансабига тайин қилди. Кировчи ҳокими Қарши *додхоҳ қурама*¹⁸⁸⁸ ҳам ул тарафга тобе бўлди. Аммо Овлиғ ҳокими Фармон *додхоҳ қипчоққа* мутелик қилиб, уларнинг фармонини бажарувчи бўлиб, Тошкандга қайтиб келмади. Шу аснода Дай ойи ва қиш фасли кириб келган бўлиб, бу хабар Мусулмонқулига ана шундай кезда етишди. Ғайрат юзасидан баданидаги ҳар бир тола жуни худди ўткир наштардек эгнидаги кўйлагини тешиб чиққандек тоқати тоқ бўлди. Дарҳол лашкарни чақиришга фармон бериб, кина ва адоват юзасидан йўлга тушди ва Сайхун дарёсидан кечиб ўтиб, нариги қирғоққа қўш ташлади. Эртасига тонгда олтин тусли қуёш машрик уфқида кўриниш бериб, оламини ёп-ёруғ ва ойдин қилган маҳалда у ердан кўчиб, манзилма-манзил йўлларни босиб ўтиб,

¹⁸⁸⁸ Қурама халқи/қурама – козоқ қабилаларнинг уюшмаси. Қозоқларнинг ўзаро аралашган уруғлар. Тошкент атрофида, Чатқол, Ангрен водийси, Қурама тоғларида яшаганлар. Қурама вилояти маркази Кировчи бўлган.

Кировчи қалъасига етишди ва ул қалъани ярашув битими орқали ўзиники қилиб олди ва журъат қадамни Тўйтепа қалъаси сари олға босди. Ҳайбат ва шавкат билан юриб, ўша ерга бориб тушди. Қараса, ҳайҳот-ҳайҳот, бу қалъа жуда бир баланд тепалик устида жойлашган ва деворининг кунгураси фалак қаҳқашони билан бўйлашиб турибди. Қалъа атрофини Қулзум денгизидек кўлоб ўз қаърига олганким, тўсатдан нодонлик оёғи унга ботса ному нишонсизлик ботқоғига чўкканча ундан бирор хабар бўлмажак. Ана шу тарзда қалъани мустаҳкам ва маҳкам қилиб қуриб, Мир Собир бий исмли кишини олти юз нафар *мерган*лар билан бирга //189^a ғалча¹⁸⁸⁹ ва ғуломларга бош қилиб қолдиришганки, уларнинг ҳар бири мерганлик маҳорат бўйича одамнинг ҳар бир тола мўйини иккига бўлишарди. Мусулмонқули *қипчоқ* ўша куниси дамани олди. Эртасига Чуст вилоятининг ҳокими Азиз *фармончи*¹⁸⁹⁰ билан бирга саркарда ва *понса*дбошилардан бир нечтасига тўпу тўпхонани олиб бориб, қалъа атрофини ўраб олиш ва қаълани тўпга тутишни буюрди. Байруқни эшитган захоти давлат устунлари бориб, қалъа қамалига киришдилар ва уч кеча, уч кундуз қалъани тўп ўқлари остида қолдирдилар. Тўртинчи куниси қалъа ичидагилар бир-бири билан оғзи олачилик қилиб, хуфтонга яқин бир вақтда «ал-омон» овозлари эшитилиб, қаоъа аҳлидан бир неча нафари ўзини қалъа деворидан ташлаганча Мусулмонқулининг ҳузурига келдилар. Қамалчилар ҳаммаси бир бўлиб, бошқаларни таслим учун олиб чиқишса, ҳеч кимга тегмаслик борасида қасам ичдилар ва ўзларидан ишончли одамларни келувчиларга қўшиб, қалъага юбордилар. Ул кетганлар қалъа аҳли юрагини тўк қилиб, эртасига ҳаммасини Мусулмонқулининг ҳузурига олиб келдилар. Мусулмонқули уларнинг катталарига меҳрибонлик кўргизиб, мартабаларига қараб ҳар бирига саруполар кийгизди ва бу ишлардан кўнгли тинчигач, от ва қурол-аслаҳаларини олиб қолиб, рухсат бераркан «ихтиёрларингиз, хоҳ Хўқандга боринг, хоҳ Тошкандга бориб кириб» деди. Қай бири қайси томонга истак ва хоҳиш кўрсатса, ўша томонга қараб кетишди. Мусулмонқули ғалаба ва фатҳдан сўнг уч кун ўтказиб, Тошканд қалъаси устига борди ва Қўймас мавзесига тушди. Бир неча кун йўл ҳордиғини аритди. Хонзода ҳам дарвоза эшикларини маҳкам ва мустаҳкам қилиб, тўпу тўпхонасини ҳар ер-ҳар ерга ўрнатди ва ўткир кўз мерганларни тоғу даштдан олдиртириб, қалъа девори кунгураларини тўлдириб ташлади ва кеча-ю кундуз «тайёр туринг», «қараб туринг» деган буйруқлар бериб турди. Ўша аснода Бухоро подшоҳи ҳам Лашкар *қўшбеги*¹⁸⁹¹ га биров одамларини қўшиб, хонзодага ёрдам учун юборди. Шу тарзда ташқаридаги ҳужум зарбалари ва ичкаридаги эҳтиёт ишлари амалга оша бошлаб, ҳар куни Минг ўрик маҳалидан жасур ёш-яланглар ва мард мерганлар қалъадан чиқдилар ва бу тарафдан ҳам баҳодирлар бориб, от солиш ва найза санчишга машғул бўлдилар. Ҳар икки тараф одамлари ярадор бўлиб ва енгилиб, ўз жойларига қайтар эди. Шу муддат ичида бир кечаси Мусулмонқули барча қўшинни шаҳарнинг тўрт дарвозаси сари юборди. //189^b Лашкар аҳли ўша қоп-қора тунда ҳар ким ўз мулжаргоҳига бориб, пистирма қилиб, эрталаб каллаи саҳарда ҳар бир гуруҳ ўзларига биркитилган дарвоза рўпарасида журъат қадамни олдинга ташлаб, ҳамла қилиб, ўзларини дарвоза остига олдилар. Шу аснода ичкаридаги лашкар аҳли пайқаб қолиб, бирданига қўлларига ўку туфанг олиб, баъзилар эса қилич ва найза ўқталиб, душманлар кўкрагига отдилар. Ва дилтикар туфангни одамизод ҳаётини қирқиш учун ҳар бир тешиқдан ва ёриқдан ота бошладилар. Бора-бора томонлар шовқини айланувчи фалакни тутиб, «тут-ушла», «хой-вуй»лари етти осмон гунбазига етишди. Бири қалъа девори устига арқон ташлаб, чиқиш даъвосини қилса, яна бирови қалъа тепасидан чиқаётганларнинг боши-юзига қараб тепиб, пастга қулатар эди. Бечора аҳли лашкар дарвозани чопқилаш учун теша ва болта уришар экан, саросимада билмасдан бир-бири бошига тушириб қолишарди. Барча хайрон ҳолатда бир-бирига ўқ отиш, ор-номус юзасидан урушни давом эттириш пайида эдилар. **Байт:**

Бод дар зери рон Сулаймонвор,

Раъд ғуррону барқ оташбор.

[Шамол Сулаймоннинг болдири остида,

Момоқалдиروق гумбирлар, чақин олов пуркар.

Алқисса, лашкар аҳлининг бир-бирига зўр келтириши ва билаклар қувватининг ғоятда кучли зарбаси сабабли ҳалиги озод бўлиб, қалъа ичига кирганлар танг аҳволда қолганларини сезиб, Мусулмонқулига киши юборганча «тезликда ўзингизни бу ёққа етказинг, бизлар дарвоза ичига кирдик ва жанобларининг ёрдамида ҳиммат қадамни илгари босиб, мамлакат эгалланиб, тасарруф доирасига киргусидир» деб айттирдилар. Бу хабарни эшитган захоти Мусулмонқули лашкарнинг қолган-қутганини тезликда чаққонлик билан ёнига солиб, оддий оқ отга минган кўйи ўша ёққа жўнади. Бу варақларни қораловчи ҳам ўша пайтда бир иш бўйича ул лашкарга ҳамроҳ бўлиб борган

¹⁸⁸⁹ Ғалча – тоғлик аҳолини водийда ғалча (лар) дейишган.

¹⁸⁹⁰ Азиз фармончи/парвоначи Чустий. “Азиз бачча” номи билан машҳур. Асли Чустлик. Қўқон хонлигининг давлат арбоби ва саркардаларидан. Тошкентда ҳам ҳоким бўлган.

¹⁸⁹¹ Қўшбеги – қўш, ҳарбий лагернинг қўмондони. Бухоро амирлигида вазир даражасидаги амалдор.

эди. Шунда ҳар ким ўз ҳолича от чопиш ва хурсандлик билан найзабозлик қилиб бордилар. Аммо қалъа аҳли зўр чиқиб, ҳамла қилувчиларни орқага чекинтиришга эришдилар. Чунончи айтмишлар.

Байт:

Баланд иқболии душман бало бувад,
 Ва гарна Кўҳкан мардонагий кард.
 [Душманнинг юксак иқболлиги бало бўлур,
 Бўлмаса Фарҳод мардоналик қилмаган эдими?

Умид пажмурда ва бетароват бўлиб, маъюс кўнгил ва борича довюраллик билан пешин вақтигача жаҳду жадал қилдилар. Хусусан, Қайтмас дарвозасидан бир нечталар одам ақлига сиғмас даражада сайъ-ҳаракат қилдилар. Ўша вақтда ҳарбий ишлар ва ул диёр сарҳангларига бош бўлмиш Давронбек *тожик* //190^a бошқа дарвозалардан бемалол ва хотиржам бўлиб, Қўймас дарвозаси сари йўналди. Ул тарафдан Намангон ва Тўрақўрғон¹⁸⁹² ҳокими Мирзот *қўшибеги* ва Фармон *додхоҳ* ва бошқалар қамал қилиш тараддудидага тушиб, қалъа олувчилик ишига мутасаддийлик қилардилар. Тўсатдан Давронбек дарвозадан ўз одамлари билан бирга чиқиб, лашкар аҳлига шундай бир ҳамла қилдики, улар ҳамласининг шиддатидан қамал қилувчилар Банот ун-наъш¹⁸⁹³ каби ҳар ёнга тарқаб, сочилганча орқага қараб қочдилар. Фармон *додхоҳ*дан ташқари Мирзотбек ҳам икки нафар ўғли билан тўп-тўпхонани сақлаш учун қолдилар. Бошқа ҳеч ким қолмади. Давронбек қалъага қайтиб кетгач, Фармон *додхоҳ* тўпхоналарни сиҳат-саломат кўшга келтирди. Лашкарнинг бариси ҳам қайтиб, кўш манзилгоҳига келиб тушдилар ва дам олиш учун жойлашдилар. Давлат хосларидан биттаси Мирзотдан «нима бўлиб, сизлар шунча лашкар билан оз сонли кишилардан қочдингизлар?» деб сўради. Мирзотбек эса «бунчалик худо берган давлат рўзи насибимизга ато қилинган бўлса, буни кўйиб ўзимизни душман шамшири зарбига уриб, бекордан ўлишни истамай, ҳар қалай давлатни кўрмоқ ғаниматдир, деган ўйда бўлдик» дея жавоб берди. Аммо бечора билмасдики, қазову қадар муқаддар, яъни пешонага битилган нарса эрур. Вақти етишмагунча ўзни эҳтиёт қилиб, мана кутулдим, демоқ ақлсизнинг ишидир. Ажал етган вақтда эса туяхонада мулло Каримқули *дастурхончи қипчоқ* хору зорликда ўлиб кетди. Бу ҳикоянинг тафсилоти яқин орада иншооллоҳ келажак.

Алқисса бир неча кундан кейин у ерда истиқомат қилган билан ҳеч бир фатҳ ва қалъа олувчилик муяссар бўлмади. Ноилож қайтишга ирода қилиб, Шўртепа манзилига келиб тушдилар. Ва ул манзилда бир неча кун турилгач, кундан-кунга совуқ шиддати кучайиб, қор ёғиши отлар тиззасига етди. Одамларнинг йўл юриши қийинлашди. Йўналиш жиловини Хўқанд сари тортиб, йўлга тушдилар. Кировчига етишгач, қалъани Пирназар чўлоқ *қипчоққа* топшириб, Муҳаммад Назарбек *фармончини* Палғарга кўйдилар. Бошқалари келиб, салтанат қароргоҳига тушиб, ором ва осойиш топдилар.

Энди хонзода Абдурахмонбекдан бир шингил эшитинг. *Қипчоқларнинг* бариси қайтиб кетгач, бироз дадиллашиб ва аслаҳа-ю тўпларининг синган-бузилган ерларини тўғирлаб, //190^b катта кўшинни ёнига солган кўйи оти жиловини Овлиғ қалъаси томонга бурди ва уч кеча-ю уч кундуз давомида жипс қуршовга олган қалъани шундай тўпга тутиб, қалъа ичига замбарак ва туфанг оловини ёғдирди ва кетма-кет аскарларни қалъа ҳужуми сари югуртирдик, бундай журъат овозасини ҳали фалак кўзи кўриб, малакут оламининг қулоғи эшитмаган эди. Фармон *додхоҳ* ҳам анча сайъ-ҳаракатлар қилиб, озми-кўп душманни қайтаришга уринди ва кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, душман ҳамласини қайтариб турди. Шоҳзода қараса, иш ривожини унчалик тараққий топадиган эмас. Йўналиш жиловини Тошканд томонга буриб, мурод-мақсудига ета олмай, Тошканд шаҳрига кириб келди.

Кўп ўтмай тинчлик даврлари ўтиб, юрт аро ўғри ва йўлтўсар қароқчиларнинг иши ривож топиб, тез-тез ҳар икки томон ерларига боскин-чопқин уюштира бошладилар. Ўша вақтларда Тошканд вилоятининг сарҳанглари билан бирга Давронбек Баҳодирбоши ва Шодмон маҳрамбоши бир иш юзасидан уч юз нафар мерганлари билан бирга Чимкат мавзесига бориб, қайтиб келиш пайти Имом Исмоил Ото турбатига етишган ҳам эдилар, уларнинг чиқишини Кировчи ҳокими кал Пирназар *додхоҳ* эшитиб, кутилмаганда Кировчининг шай ҳолатдаги кўшини ва Муҳаммад Назарбекнинг илғори йўлга тушиб, ул манзилда мустаҳкам ва маҳкам бир суратда Давронбекнинг йўлини тўсиб чиқишди. Давронбек шу маҳал вазиятнинг танг келиб, бекинишга бирор паноҳ ва қочишга бирор тешик йўқлигини кўрди. Ноилож мерганларини отдан тушириб, душман келиши

¹⁸⁹² Тўрақўрғон – ҳозир Намангон вилоятидаги шаҳар. Хонлик даврида Намангон ҳокимининг ўрдаси Тўрақўрғонда бўлган.

¹⁸⁹³ “Банот ун-наъш” (“Ўлик қизлар”) – араблар Етти қароқчи (Катта айик) юлдузлар туркумини шундай атайдилар. Бадиий адабиётда бир-бировдан айри тушиш рамзи сифатида ҳам ифода этилади.

тарафига рўпара қилиб қўйди. Шу аснода ҳаммадан олдин кал Пирназар *додхоҳ* ўз қўшини билан бирга жуда тез равишда етиб келган бўлиб, уларни пойлаб турган уч юз нафар эрларни қулатувчи мерган бирданига туфангларни олов билан тутатиб, душман тарафга қараб отганлари заҳотиёқ кал Пирназар *додхоҳ*га келиб тегди ва кал бечора отдан ер тубан қулаб, тупроқ билан баробар бўлди. Бу ҳолни лашкар аҳли кўриб, юзларини орқага ўгирган ҳам эдилар, Давронбек ва Шодмонбек «ёв қочти» дея бақирганча ўзларини душман қўшинининг қалбига уриб, одам боласи ақлига сиғмас ва ҳисоб-китоб доирасига кирмас даражада уруш-саваш қилдилар. **Байт:**

Давонданд бар як дигар борагий,
Салоҳ аз миён рафт якборагий.
Қиёмат дар омад ба овардгоҳ,
Бо баруд дар овехт абри сиёҳ.
//191^а Чанг дар раҳи ошти рехтанд,
Ситезагарон дар ҳам овехтанд.
[Югурдилар бир-бири устига,
Тўғрилик ўртадан кетди.
Қиёмат куни тушди ўртага,
Совуқ билан олишди қора булут.
Яраш йўлига чанг ташладилар,
Уруш аҳли бир-бири ёқасидан олдилар.

Алқисса, Фарғона вилоятининг лашкари урушни ташлаб қочишни ихтиёр қилди ва келган йўлига қайтиб, ул қон ичувчи саҳрода яширинишга жой ахтарганча айримлари ўша жонгоҳ даштда йўлни йўқотиб бошни худди чавгонбозга тутгандек аёвсиз қилич остида елга совурдилар. Баъзилари асирлик тутқуни занжирбандига йўлиқиб, ризо бўйнини худо таслимига тутиб бердилар. Кўплари эса журъат қадамини нажот йўлига қўйиб, соғ-саломат ўз юртларига етиб олдилар. Шу тариқа катта бир фатарот юз бериб, душманлар тўла ғалаба билан ўз шахрига кириб боришди.

Мухаммад Муродхон¹⁸⁹⁴ ибн Олимхоннинг Сотиболдибек ибн Қосимбек ёрдамида Хўқандга келгани достони

Сухан аҳлининг иншо битувчилари ул воқеа баёни ҳоли ҳикоясини шундай дуру гавҳар ипига тизиб, буюрмишларким, *қипчоқ* аҳли Шермухаммадалини иккинчи марта хонлик ҳукуматига кўтарган вақт ва замонда ул воқеадан бул жамоат аҳлининг бир нечта кишилари кўнглида қувонч аломати юзага чиқмай, хонлик авлодидан бошқа бир пешонаси порлоқни топиб, ўшани султонлик ўриндиғи ва хонлик тахтига ўтқазиб борасида туну кун бир-бири билан маслаҳат қилардилар. Бу истак шу даража булар кўнглида ўрнашиб, кенг кулоч ёза бошладики, ниҳоят чуқур мулоҳаза ва аниқ маслаҳат билан Муродхон ибн Олимхон ибн Норбўтахон устида бир тўхтамга келдилар. Ул шўр пешона эса бу пайтда шу яқин орада бўлмаб, айём кулфатидан отаси ўлгач, ҳукумат амир Умархонга етишиб, буларни юртдан ҳайдаб чиқарган қўйи Бухорога юборган эди. Кейинчалик Муродхон бир неча йил давомида яхшилиги йўқ айём қўлидан жафолар тортиб, мамлакат мерослиги умидини қилганча Ўратепа вилоятига келиб, истиқомат қилмоқда эди. Бу борада *қипчоқия*нинг барча катта-ю кичиклари омонлик ваъдаси билан тўлиб-тошган ва салтанатга умидворлик туйғуси оширилган муҳрли хат битиб, ўша пайтда Исфара¹⁸⁹⁵, Чаҳоркўҳ, Ворўх вилоятларининг ҳукуматини бошқариб ўтирган Сотиболди *додхоҳ* ибн Қосим *бегларбеги* вазирнинг қўлига тутқаздилар. Мазкур *додхоҳ* хатни олгач, жуда тезлик билан манзилларни босиб ўтиб, ўзига қарашли Ворух манзилига етишди ва шу ердан туриб, ишончли одамлари орқали муҳрли хатни кўзланган манзилига жўнатиб, ул бахти чопмаганнинг кўнглини муҳрли хат нишонаси //191^б ва қасамга тўла аҳду паймон сўзлари билан тўлиб-тоширди. Мухаммадмуродхон ҳам мамлакатга умидворлиги ва ғурбат ғамидан қутулиш ва салтанат тожиги сазоворликни ўйлаб, тўхтаб турган еридан чиқиб, йўлга тушди ва бор-йўғи бир нечта одами билан Сотиболдибек ҳузурига етиб келди. У ерда бир неча кун истиқомат қилгач, *абоҳат қирғиз*ларидан бўлмиш онаси томонидан қариндош-туққанларини бир киши орқали йиғдириб келтирди. Чунончи демишлар, **Байт:**

Хотири жамъ зи асбоб муяссар нашавад,
Тухми жамъияти дил тафриқаи асбоб аст.
[Кўнгил хотиржамлиги мол-мулкдан муяссар бўлмас,

¹⁸⁹⁴ Муродхон Қўқон тахтига ўн кун ўтирган.

¹⁸⁹⁵ Ҳозирги Тожикистон Республикаси, Суғд вилоятидаги Исфара шаҳри.

Дил хотиржамлиги мол-мулк эгаси жамлигидандир.

Бу воқеанинг баёни шундайким, Сотиболдибекни Муҳаммадмурод олдиға жўнатган ўша кезларда орадан кўп ўтмай Ўшнинг дашту чўли ва Олой тоғида юрган қирғизлар сон-саноксиз равишда бир ерга тўпландилар ва йўлга тушиб, Ўш тепасидаги Модий мавзесиға келиб кўш ташладилар. Шу ерда турган кўйи Ўшнинг теваарак-атрофида истиқомат қилаётган ва дала-даштда яшаётган аҳоли устиға босқин-чопқин уюштирдилар. Бунинг хабари қипчоқ аҳли қулоғиға етишиб, дарҳол чексиз кўшин йиғиб, қирғизлар турган худуд сари юриш бошлашди. Бир қанча манзилларни босиб ўтиб, мазкур мавзегға етишдилар ва душманға юзма-юз келдилар. Икки тараф тўқнашиб, ҳар икки томон жангға киришдилар. Аммо озғина ҳаракат билан илоҳий фазлнинг тақдир этгани бўлмиш фатҳу нусрат қипчоқларға насиб этиб, зафар кучдилар, ул ўлканинг бечора қирғизлари эса «қочиш афзалдир» сўзларини ўзларига шиор қилиб, янчилиб ва енгилиб, қочмоқ сари бўлдилар. Шу урҳо-ур ва олатасирда бир нечалари аёвсиз қилич тиғидан бошларини фано елиға созуриб, бир қанчаси асирлик гирдобига тушиб, занжирбанд бўлдилар. Фатҳу зафардан сўнг ғалаба қозонган ул гуруҳ сардорларининг бошлиғи Муслмонқули қипчоқ қайтиб, Ўш шаҳриға кириб келди ва бир неча кун ул мақомда дам олиб, ҳордиқ чиқарди ва асир тушган бандиларни Хўқанд тарафға юбориб, ўзи Андижон томонға қайтди. Асирлар бир неча кун ўтгач Хўқанд шаҳри аҳолисининг бозор куни ҳисобланган чаҳоршанба куниси Хўқандға етиб келдилар. Шаҳар аҳолисининг бариси томоша учун чиқиб, асирларни кўришға машғул бўлиб турган бир маҳалда ҳеч қутилмаганда халқ орасидан «келди-келди, Муҳаммадмуродхон келди» //192^a деган бақирӣқ-чақирӣқ садолари янграб қолди. Маълум бўлишича, Муҳаммадмуродхон Сотиболди *додхоҳ*ни ёниға солиб, онаси орқали яқин қариндошлик нисбати бор *абоҳат* қирғизларининг бариси билан бирға шаҳарға етиб келиб, шаҳар Ўрдусиға кирган экан. Шералихон қочиб, Ўрда боғи ичидаги жўйзорға кириб, уч кун сувсиз ва овқатсиз ўшанинг ичида бекиниб ётди. Ниҳоят у ердан тутиб чиқиб, шаҳидлик даражасиға етказдилар. Ул мазлум амирнинг жасадини ...ҳазрат Офоқхўжа махдуми аъзам¹⁸⁹⁶ий – *Аллоҳнинг раҳмати бўлсин* – қадамжосида дафн қилдилар. Чунончи ўша замон олимлари бошлиғи бўлмиш Эшон қори Қундузий Шермуҳаммадалихоннинг Муҳаммадмуродхон томонидан ўлдирилиши таърихини қуйидагича ёзганди. **Таърих:**

Шералихон аз тариқи ҳазму дониш,
 Баски дур буд аз гарди балоҳо, ҳеч касро осударў.
 Нашуд аз он рўзе ки ў бар маснади шоҳи нишаст,
 Ҳар ки буд аз аҳли Фарғона ба якдигар адў.
 То чунон мардум шамшери адоват рехтанд,
 Хуни ҳамдигар ки гўё жўйи хун шуд ҳар гулў.
 Метавон васфи мақтулони он иқлим гуфт,
 К-зи занони мулк набуд як зане номурда шуд ў.
 Ин адо шаҳзодаи он мамлакат Муҳаммадмурод,
 Хони олий рой аз узлат аморатро накў,
 Дида омад андар он иқлим, чун фатҳаш намуд,
 Шералихонро ба шамшири сиёсат кушт ў,
 Соли қатлаш ҳар ки хоҳад аз ту Комий дар жавоб,
 Гарчи нобоб аст «хони балда мақтул» гў.
 [Шералихон эҳтиёткорлик ва билими билан,
 Бало чангидан узоқ ўтирган эди.
 У тахтға ўтиргач ҳеч ким тинч ўтирмайдиган бўлди,
 Ким Фарғона аҳлидан бир-бириға душман бўлса,
 Халқ адоват қиличини қўлга олди.
 Бир-бирининг томоғиға тортилган теғдан қонлар оқди,
 Ул мамлакатда ўлганлар ҳикояси ўзи бир достон.
 Айниқса аёллар ўлимини айтсам, тирик бир аёл қолмади,
 Бу воқеани кўрган шоҳзода Муҳаммадмурод,
 Келиб бу ўлкани фатҳ этди.
 Шералихонни сиёсат шамшири билан ўлдирди,

¹⁸⁹⁶ Махдуми Аъзам – Мавлоно Хожаги Косоний – Жалололдин Махдуми Аъзамий – Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалололдин Косоний Дахбедий, (1463/64–1542)нинг қабри Дахбед қишлоғидадир. Самарқанд ҳокими Жонибек Султон томонидан Самарқандға тақлиф этилган. Ўғли Искандар Султон уни ўзининг пири деб эъзозлаган. Махдуми Аъзам 78 ёшида шу Дахбед қишлоғида вафот этган.

Комий, сендан ўлими санасини ким сўраса,
Жавобида: Гарчи «нобоб» эрса-да «юрт хони бўлди мактул», - дегил.

Яширин қолмасинким, «хони балда мактул» сўзларида таърих моддаси жойлашган бўлиб, «боб аз он» лафзи исқотига ишора қилинган, бундан эса бир минг икки юз олтмиш (1260/1844) ҳосил бўлади ва бу кўзланган сана сонидир.

Шермухаммадалихоннинг Фарғона мулки салтанатидан туширилгани ва олам аҳли хонзодаси Муҳаммадмуродхоннинг Хўқанд салтанати тахтига кўтарилишига бағишлаб Эшон қори Қундузий яхши бир таърих айтганлар. **Таърих:**

Шералихон ки шоҳи Фарғона шуд,
Амон аз миёни мардум рафт.
Он қадар тиру найзаву шамшер,
Омад андар миён ки зи эшон рафт,
Ақлу дониш чунонки рехта шуд,
Хуни мардум гумонки имон рафт.
Чун Муҳаммадмуродхон воқиф
Шуд бар ин фитна аз дили он рафт.
Тарки шоҳий чунонки биншаст,
Бар сари тахти Шералихон рафт.
Баҳри таърихи азлу насби ҳамин,
Байте зи фикрам осон рафт.
«Аҳли Фарғона бо мурод расид,
Ки аз инжо амир осон рафт».
[Шералихон Фарғона шоҳи бўлгач,
Халқдан омонлик кетди.
Улар бир-бирига қанчалар,
Ўқ отиб, найза ва қилич солишди.
Билим аҳли бу қон оқишларни кўриб,
Халқдан иймон кетдиёв, деб ўйлашди.
Муҳаммадмуродхон бундан хабар топиб,
Ичи ачишди ва Шералихондан холи тахтни,
Олиш учун юриш қилди.
Шу тахтдан қулаш ва тахтга чиқиш санаси бобида,
Бошимга осонгина бир байт келди:
«Бу ердан амир осон кетди»].

Тарих билувчилар кўнгилига аён ва равшан бўлсинким, «аҳли Фарғона» ва «Шерали» сўзларининг ҳар бирида таърих моддаси жойлашган бўлиб, ўша икки модда таълифига ишора қилинувчи «уч юз эллик етти лафзи» исқот қилинса, таърих ҳосил бўлади. Демак, «аҳли Фарғона»дан ва чиққан сондан 1260/1844 сони ҳосил бўлади.

Муҳаммадмуродхон улуғворлик тахтига ўтиргач, ҳордиқ ёзиб, дам олди ва кўнглини Шералихоннинг бўлмағур ёдидан холи тутди. Маллабек ва Сўфибек¹⁸⁹⁷ ва Султонмурод каби шахзодаларга эса узлатхонадан бир бурчакни тайин қилиб, уларга қаровчи кишиларни қўйди. Сўнг ҳаммасидан кўнгли тинчиб, кўкнор эзиб ичиш ва афюн еб-чекишга тушди. Улардан ҳам тинчигач, замоннинг ён-атрофдаги саркадаларига, хусусан Мусулмонқули *қипчоққа* кетма-кет яхши либослар ва дилписанд марғуб иноятномалар юбориб, улар билан бирга бўлиш борасидаги қасам ва аҳду паймонларини билдира бошлади. Савсан тилли ул *қипчоқлар* дастлаб бу ишни қабул қилиб, Андижон ва Шаҳрихонда Муҳаммадмуродхоннинг атоқли номига жар урдириб, ғойибона тарзда инобат қилдилар. Ўша орада душманлардан Азиз *фармончи* ва Мирзот *қўшбеги* каби айримлари қаршилик йўли бўйлаб қадам босиб, бу ишни қабул қилмай, Намангонда ўтирган Худоёрхон ибн Шералихон¹⁸⁹⁸ни олиб, Мусулмонқулининг ҳузурига бордилар ва ўша ерда маслаҳатни тугатгач, Худоёрхонни хонликка кўтариб, илгариги аҳдларини буздилар ва ёғийгарлик ишини барпо этдилар.

¹⁸⁹⁷ Сўфибек – Худоёрхоннинг укаси. 11 жумада ал-увла 1276/6 декабрь 1859 йили вафот қилган. Назирбек деган ўғли қолган (1887 йили ҳаёт эди).

¹⁸⁹⁸ Худоёрхон – Худоёрхон Шералихон ўғли уч марта Қўқон тахтига чиққан. 1875 йили ўғли Насриддинбек фойдасига тахтдан воз кечиб, қочиб Тошкентга келган ва рус маъмурияти уни Россияга сурған қилган эди. Унинг онаси Жарқин/Ёрқин ойим бинт Тўхта Назар қирғиз, сору уруғидан бўлган. Шу онадан яна Абдурахмонбек/Саримсоқхон ва Султон Муродбек ҳамда учта қиз оламга келган. Маллабек ва Сўфибек ҳамда иккита қиз қирғизларнинг Бағиш уруғидан бўлган аёлдан оламга келган.

Бу ёмон ниятли ўлакса тийнатлар ишининг хунук хабари //192^b Муҳаммадмуродхоннинг шариф қулоғига етишди. Ул тарафдан маънос бўлиб, Хўжанд ҳокими Муҳаммадкарим *додхоҳ* ва Нов ҳокими Охунд *додхоҳ*ни чақиришга олий фармойиш чиқарди. Ул қони етишган бечоралар ихлос ва эътиқод юзасидан Хўжанд ва Нов лашкари билан бирга амирзоданинг оти узангисини ўпиш учун келиб, хон қабулига мушарраф бўлдилар. Амирзода улардан ҳар бирининг ҳурмат-эътиборига яраша иззат ва меҳрибонлик кўрсатиб, қалъа эҳтиёти юзасидан дарвозаларга тайинлади. Бу диловарлар кечаси-кундузи мамлакатни сақлаш ишига тайёр туриб, хушёрлик билан истиқомат қилдилар. Ўша аснода душманнинг келаётгани аломати кўриниб, ҳар ер-ҳар ердан туғ ва байроқлар қораси намоён бўла бошлади. Булар ҳам ҳарб ишларни анжомлаш ва қалъани сақлаш юзасидан эҳтиёт чоралари кўришга тушиб кетиб, жангу жадал ишини кутиб турдилар. Ўша вақтда *қипчоқ* аҳли қалъага ҳамла қилиш мақсадида шаҳар ташқарисига тушиб, билдирмасдан шаҳар ичига одам киритиб, ўзларига тарафдор айрим кишилар олдига ҳол-аҳволни билиш ва иш иложини топиш мақсадида жосуслик учун юбордилар. Шу жумладан бири буким, тоғликлар фирқаси қадим замонлардан бери Хўқанд давлатининг тарафдори ва жону дилдан хизматкори бўлиб, ҳамма вақт шаҳар катталари ул қавмга тўла ишонган ҳолда кўча ва маҳаллаларга кирадиган шаҳар дарвозасини ул тойифага тааллуқ тутар эдилар. Бу гал ҳам шундай бўлиб, тоғликлар қавми душман йўли қаршисида мутасаддилик қилганча белларига ҳиммат камарини маҳкам боғлаган эдилар. Юнус *додхоҳ*нинг укаси Муҳаммадкарим *отолиқ* шайтон янглиғ ул қабилани гумроҳлик сари иғво қилди ва шайтанат табиат бу *отолиқ* васвасаси сабабли ул содда тоғ халқи жосус гапига кириб, дарвозанинг душман кириб келиш ўтарлигида туришга ва *отолиқ*нинг айтганини бажаришга сўз бердилар. Ваъдани олган *отолиқ*нинг ўзи эса қалъадан чиқиб кетди. Эртасига 1260 (1844) йилнинг шанба куниси (17 август) чоштгоҳ вақтида душманлар тайинланган йўлдан шаҳарга кириб келишди. Муҳаммад Назар *фармончи* Кўр ўғли каби айримлар ва бошқа кишилар Қатағон дарвозасидан кириб, шаҳар Ўрдасини эгалладилар.

Эшон қори Қундузий жаноблари Муҳаммадмуродхоннинг амирлик мансабидан тушгани ва унинг *қипчоқ*лар қўлида ўлдирилгани ва Худоёрхоннинг Фарғона мулкининг салтанат тахтига ўтирганига бағишлаб таърих битган. **Таърих:**

Замона дид зи даври фалак шикасти ажаб,
 Жаҳон зи гардиши айём ёфт турфа халал.
 Ки бе таҳаммул шоҳии Муродхон мафтух,
 Намуда хиттаи Фарғона аз роҳи асҳал.
 Бикушт амири ҳамон мулк Шералихонро,
 Вале ҳукумати ў дар жаҳон накард амал.
 Зи ҳафтае беш аз ў боз мамлакат *қипчоқ*,
 Гирифт бо дами теғаш заданд бар муқфал.
 Ба иттифоқи ҳамон қавм шуд бажояш амир,
 Зи насли Шерали шоҳ кўдаки аъқал.
 Касе ки соли ҳамин азлу насаб аз Комий,
 Кунад савол машав дар жавоби ў маъттал.
 Бигў расид ба «Фарғона» бе «ибо *қипчоқ*».
 «Муродбек» аз он рафт дида рўйи ажал.
 [Замона фалак айланишидан ажаб бир бузуклик кўрди,
 Жаҳон айём айланишидан эса қизиқ бир халал кўрди.
 Муродхон бошқа шоҳликка чида олмай ҳеч,
 Фарғона ўлкасини босиб олди.
 Бу юрт амири Шералихонни ўлдирди,
 Лекин жаҳонда унинг ҳукумати амалга ошмади.
 Бир ҳафта ўтмай яна мамлакатни *қипчоқ* олди.
 Ва Муродхонни ҳам қилич билан чопиб ўлдирдилар,
 Шу қавм биргаликда Муродхон ўрнига амир этиб,
 Шералихон наслидан кичик бир болани ўтказдилар.
 Комий, сендан биров бу тушиш-чиқиш санасини сўраса,
 Дегил: Фарғонага уятсиз *қипчоқ* келди,
 Шундан Муродбек ажал билан юзлашишга кетди].

//193^a Яширин қолмасинким, «*қипчоқ*» ва «Фарғона» сўзларининг ҳар бири таърих моддаси бўлиб, бу ерда «ибо» сўзи исқот қилинади ва биринчи модда бўлмиш «*қипчоқ*» сўзи ва ҳам «Муродбек» сўзининг исқоти билан «рўйи ажал»ни чиқариб, иккинчи модда бўлмиш «Фарғона» сўзидан ва ҳам

ёзилган ашъор мазкур икки модда таълифидан иборат бўлиб, шундан бир минг икки юз олтмиш (1260) ҳосил бўлади ва бу изланган таърих (1844 сана) сонидир.

Қипчоқлар шаҳарга кириб, Ўрда майдонининг саҳнида жойлашгач, Муҳаммадмуродхон ботирлик қўлини ҳамият ва ор-номус қиличи сари чўзиб, саломхона дарвозасининг иккала тавақасига тузини еган ғуломзодаларидан бир нечта мерганни қўйиб жанг қилишга машғул бўлди. Қипчоқлар ҳар гал бақир-чақир қилиб, қайси бир дарвозадан кириб келишса, мерганлар туфангга ўт қалардилар. Шундан сўнг Муҳаммадмуродхон пиёда ҳолатда қўлида қилич ушлаган қўйи ул гуруҳ қалбига бир ҳамла қилиб, душмандан бир нечтасини икки бўлиб ташлади ва бошқаларини Ўрда дарвозасидан ташқарига ҳайдаб чиқарди. Шу тариқа оз фурсатда бир ўзи якка курашиб, бир нечта душман билан жанг қилдиким, ҳеч бир подшоҳ замонида ва бирон курашчи давронида бу тарздаги жангни халқ кўзи кўрмаган ва ҳеч бир кулоқ жанг ҳақида ҳикоя қилгувчи қиссалардан бу сифатни эшитмаган. Хулласи калом, шу орада ҳалиги мерганлар ҳам шаҳодат даражасига етишдилар. Муҳаммадмуродхон қараса майдон саҳнида битта ўзи ёлғиз қолибди. На қариндош-туққани бор, на бирор ука ёки дўсти бор. Кўзини ён-атрофга тикиб, ҳеч тарафдан бирор ғамхўр кўрмади. Ишончининг икки қанотидан биттаси Охунд *додхоҳ* эди. Ул бечора шаҳид бўлди. Иккинчи ишонгани Муҳаммадкарим *додхоҳ* эса Хўжанд тарафга қочиб кетди. Шулардан бошқа хизмат учун ошиқадиган мураббийси йўқ эди. Битта одамнинг бир неча минг кишига қарама-қарши туриб, фидойиларча жанг қилиши барибир қийин иш. Ноилож қолиб, ўзини боғ ичига олди ва боғдан ҳам ўтиб, девор пастига келиб, кўчага сакради. Шу зайл ўзини Туран номли ҳовлига ичига уриб яширинди. Шу аснода жонига бало бўлиш учун қаердан ҳам биттаси пайдо бўлди-ю уни маҳкам ушлаб, елкасига миндириб, Мусулмонқулининг ҳузурига келтирди. Текширишдан кейин асл насабли мазлум бечорани шаҳид қилдилар. «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва алббата биз у зотга қайтгувчилармиз»¹⁸⁹⁹. Имом Али қори Қундузий эса ул мазлум мирнинг шаҳидлик даражасига етгани борасида шундай сўзларни таърих баёни ипига тизди. **Таърих:**

Аз баски дар ин жаҳон мукофот,
Ба назди ҳама халқ буд мақбул.
Султони замонаро намуда,
Аз мансаби хусравияш маъзул.
Ҳам гашта Муродхон ба жояш,
Шуд шоҳ, вале нагашта машғул.
Бори қори жаҳони мулкдорий,
Шуд сар зи танаш ба теғ мафсул.
Комий хирадам бигуфт таърих,
«Бе райб Муродхон мақтул».
[Бу жаҳонда бундай мукофот,
Халққа жуда маъқул келди.
Замон султонини туширди,
Шоҳлик мансабидан.
Ўтирди Муродхон жойига,
Аммо, мулкдорлик ишига,
Бўлмай туриб машғул.
Қилич бошин шартта узди,
Комий, ақлим бу таърихни тузди:
«Шаксиз Муродхон ўлди»].

//193^б Яширин қолмасинким, «Муродхон мақтул» сўзлари таърих моддаси бўлиб, «райб» лафзининг исқотига ҳам ишора қилинади, бу сўз эса «икки юз ўн икки» сонига тенгдир. Шундан бир минг икки юз олтмиш (1260/1844) ҳосил бўлади, бу эса сана сонидир.

Муродхоннинг ҳукумати муддати ўн бир кун ва умри тахминан қирқ йилга яқин эди. Яна Аллоҳ билгувчидир.

Мамлакатнинг салтанат тахтига амир Худоёрхон валинаъмининг чиқиб ўтириши ва қипчоқнинг Фарғона мулкларини истило қилгани зикри

Мангу илоҳнинг инсон ва давлат вужудига лойиқ кўргани шуким, башарият оламининг табиати қаҳру лутфнинг аччиқ ва ширин шарбати, хонлик салтанати эса лоқайд бўлмаслик билан

¹⁸⁹⁹ Қуръони карим, 2:156.

Ўзининг меъёрий ҳаддида сақланиб туради. Азалий иноят иродаси бирор ҳукмдорни даврон бахтлилари орасидан танлаб, у орқали мулкка каромат ва уйғоқлик шарофатини бағишлайди. Шу сабабли дунё олишлик ва жаҳон сақлашлик фикри «Сизлар фақат бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳ хоҳласагина (Тўғри йўлда бўлишни) хоҳларсизлар»¹⁹⁰⁰ талқини бўйича узоқни ўйловчи доно кўнглидан бош кўтариб, Муродхон қисқа вақт ичида илоҳий ёрдам билан кўплаб товламачиларни ер тишлатиб, илдизини кўпориб ташлади. Жамол султони ва жалол қаҳрамони, яъни Аллоҳи таолонинг аломатлари унда кўриниш бериб тургани орқасида аҳду битимлар нозирларининг жон томири бўлган аҳду паймонда мустаҳкамларга марҳамат кўрсатди ва ор-номус даъвосини қилиб, баён тилидан унинг нақшу услуби сири ишларининг барчасини чин дилдан бажарувчи, яъни ҳар бири буюк ишларни, улкан юмушларни ўз қоидаси билан адо этиш учун дунёга келган ва ул ишлар аларнинг ҳиммат назарида жуда осон бўлиб кўринувчи ва куч-қудратидан муяссарлик насиб этувчи, аммо бажарилиши бошқалар ақли ва фикрига қийин ишлардан туюлувчи ва амалга ошириш мумкин бўлмагандек кўринувчи соҳиби назарларни зарур мансабларга тайинлади. Аммо раббоний иноят бу пайтда Худоёрхоннинг хонлик тахтига чиқишини ирода қилган экан ва бу мамлакат сақловчилик ишини мустаҳкам бир равишда адо этиш, юрт бошқариш расмларини етук тарзда амалга ошириш либоси ул хон эғнига ташланиб, бу хоннинг давлати юзага чиқди. Хуллас, Муҳаммадмуродхон алдов ва ҳийла воситасида Худоёрхоннинг отаси Шермуҳаммадалихонни зулм ва зўравонлиги зарбасидан зиён-заҳматга йўлиқтириб, шаҳодат даражасига етказган ва шундан сўнг унинг ўрнига ўтириб, салтанат кўрпа-ёстиғига ястанган пайтларда оғзи бирликда мустаҳкам *қипчоқ* аҳли Андижон мавзесида амир Худоёрхон ибн Шермуҳаммадалихонни хонлик ҳукуматига кўтариб, йўналиш мавкабининг кулранг оти жиловини Хўқанд томонга бурдилар ва оз фурсатда //194^a бир неча масофаларни босиб ўтиб, жумъа куни қалъа ташқарисига келиб тушдилар. Ўша куниси кеч маҳали маслаҳат ва кенгаш учун ҳар томондан одамлари йиғилиб, янги хон Мусулмонқули *мингбоши* билан бирга катта қўшин ҳамроҳлигида тоғлиқлар кўриқлаётган Тоғлиқ дарвозаси орқали шаҳарга кирадиган бўлди. Чунки ул дарвоза мутасаддиси Юнус *додхоҳ* ва унинг укаси Муҳаммадкарим эди. Муҳаммад Назар *пармоначи* Кўр ўғли Қатаған дарвозаси сари ҳамла қиладиган бўлди. Шу қарорга келингач, тонг отишини кутган кўйи фатҳу ғалаба умиди билан орому қарор топдилар. Субҳи содик ёруғлиги машриқ уфқида намоён бўлгач, тонг ёришиб, кун подшоси ўз кўзини қизил шафақ қони билан ювганча оламини куйдурувчи рухсорини посбонлик мақсадида осмон қалъаси узра намоён этди.

Байт:

Чу бар буроқи уфқ шоҳи Занг гашт савор,
Сарири Рум ба Дорои Шом ёфт қарор.
[Уфқ буроқиға ўтиргач қоронғулик шоҳи,
Рум тахти Шом Дороси қўлиға ўтди].

Қуёшнинг юлдузлар сонича лашкарли шоҳи осмон қалъаси буржи атрофида зар нишонли байроқни ҳилпиратди ва олтин қилични белига осди ва тилло суви югуртирилган дубулғани бошига кўйиб, фалак майдонини кавкаблар лашкаридан аритишга киришди. **Байт:**

Сари субҳ к-ин шоҳи фархунда чехр,
Бар афрохт шамшири заррин меҳр.
Ба тасхири ин қалъаи сабз фом,
Биронд бар ин аблақи тез гом.
[Бу бахт чехрали шоҳ тонг пайти,
Олтин дастали қиличини кўтарди.
Кўкка етувчи бу қалъани олиш учун,
Тез юрувчи отини учириб кетди.

Ғалабага ёр сон-саноксиз кўшин аҳли юлдузлар лашкари сингари қуёш жамшидининг порлаб чиқиши пайти йўналиш юзини қалъа фатҳи учун қаратиб, мардлик билагини ва ботирлик шижоатини душманни дафъ этиш учун ҳиммат юзини олий эҳтиёж иши томон ўгириб, кўлда оламини босиб ўтувчи тавсан жиловини ушлаб, кўнгли йўналишини шаҳар сари солиб, жасурлик кўплигидан моддий ва илоҳий нарсаларни яратувчи холиқ инояти ёрдамига таваккал қилиб ва давлат қуввати, иқбол шавкатиға орқа қилиб, ҳамла шамоли билан дастлаб айрим мардлар олдинга чиқдилар ва душман сафини остин-устин қилганча шаҳарга кириб олдилар ва фатҳу ғалаба билан салтанат пойтахтида қарор топиб, Муҳаммадмуродхон ва Сотиболди *додхоҳ*, Охунд *додхоҳ* ва бошқаларни шахидлик даражасига етказдилар. Сўнг *қипчоқ*ларнинг ҳар бири ўзбошимчалик билан ўз ҳовлиларида карнай

¹⁹⁰⁰ Қуръони карим, 81:29.

чалдириб, ўз ҳолича ҳукумат юргизишга киришдилар. Ўша куниси ул кўчманчи дев табиатлар Муҳаммад Назар Кўр ўғли ўз табиатларига қарши равишда ёки Хўқанд уламолари маслаҳати юзасиданми, эшон Сулаймонхўжа шайхул ислом ва Охунд домла Хўжамқули қози калон¹⁹⁰¹ ва мулло Холмуҳаммад охунд¹⁹⁰² аълам¹⁹⁰³ ва пойтахт муҳтасибини шаҳидлик даражасига етказдилар. Бу ҳақда айём эшони Имом Али қори Қундузий ул азизларнинг шаҳидлик даражасига эришгани таъриhini баён ипига киритган эдилар. **Таърих:**

Он кадр рафта ба Фарғона зи даври афлок,
Гарди туғён зи тўфони ҳаводиси айём,
Рў сияҳ карда чу шаб жомаи мотам пўшид.
Қатлу торож рабуд аз дили мардум ором.
То жаллод ба шамшери //194^б ситам сар гирифт,
Аз тани муҳтасиб¹⁹⁰⁴ у қози-ю шайхулислом.
Онки ў соили таърихи қатилон Комий,
Буд аз ў борғаҳи фикр маро унс ноком.
Гў сари лутф ниҳон буд ки «шамшир расид,
Бар сари муҳтасибу қози-ю шайхулислом».
[Фарғона юрти фалак айланишидан ҳамда
Исён чанги айём ҳодисалари тўфонидан,
Юзини қаро қилиб, тундек мотам либосини кийди.
Қатлу торож халқ дилидан оромни ўғирлади,
Жаллод ситам қиличи билан муҳтасибу қози,
Шайхулислом танидан бошларин кесгач.
Қатл этилганлар таърихин биров сўраб келса,
Комий фикринг саройидан уни қуруқ қайтарма.
Айтгил: лутф юзидан ниҳон эдики, қилич тушди,
Муҳтасиб, қози ва шайхулислом боши узра.

Яширин қолмасинким, «шамшир» сўзи таърих моддаси бўлиб, бу ерда яна «лом», «мим», «шин» ҳарфлари кетишига ҳам ишора борки, чунки бу ҳарфлар «сари муҳтасибу қози-ю шайхулислом» сўзларида қатнашиб, бундан «бош кетиши» маъноси англашинади. Демак, бу ерда бир минг икки юз олтмиш (1260/1844) ҳосил бўлади.

Мақсадни кўзлаганлар ўз вақтида душмандан қутулиб, хотиржам бўлгач, яна янғидан бўлғуси хонни алоҳида равишда оқ кигизга ташлаб, хонлик салтанати ва жаҳонбонлик ишларига ўтказдилар. Ва салтанат юргизиш учун мамлакатни тақсимлашни ҳам унутмай, бир-биридан бу муддаони хал қилишни талаб қилиб олдилар. Хуллас, ҳар ким ўзича ҳукумат қилувчи ажаб бир замон бўлди. Худоёрхоннинг атоқли номи хонлик исмидан ўзга маъно бермайдиган бўлиб қолди. Мусулмонқули ва қипчоқ бошлиқлари ...¹⁹⁰⁵

Байт:

Чун алам ҳар бе усуле соҳиби пироя шуд,
Ҳамчу сари ҳар жумоде буд соҳиби поя шуд.
[Байроқдек ҳар бир беқарор ўзбошимча бўлиб қолди,
Боши пук жисм бўлса ҳам даражаларни эгаллаб қолди.

Имомали қори Қундузий Худоёрхон ибн Шермуҳаммадалихоннинг Фарғона мулки салтанати тахтига чиқиши таъриhini қуйидагича қалам таҳририга тортган. **Таърих:**

Зи даври фалак хусравони замон,
Ҳама мубтало гашта бо рўзи сахт.
Гузаштанд аз тожу тахти жаҳон,

¹⁹⁰¹ Қози калон – катта қози, шаҳар ва вилоят қозиси.

¹⁹⁰² Охунд – мулло, мадрасада савод чиқарган шахс.

¹⁹⁰³ Аълам – билағон, диний-ҳуқуқий масалалар юзасидан фикр берувчи диний амалдор. Одатда, муфтийлар тузган фатво ёки ривоятга аълам муҳр босгач, у кучга кирган ва қозилар ўша ҳужжат асосида ҳукм чиқарган. Бухоро хонлиги даврида ҳар бир қози ёнида аълам бўлган.

¹⁹⁰⁴ Муҳтасиб – ўрта аср мусулмон давлатларида ислом маросимлари, урф-одатлари ва шариат қонунларининг бажарилиши, одамларнинг жамоат жойларида юриш-туриши устидан назорат қилувчи амалдор. Шариат тизимида хос мансабдор шахслар тоифасига кирган. Ўрта Осиёда улар раис деб аталган. Муҳтасиблар бозорлардаги нарх-наво ва ўлчов асбобларининг тўғрилиги устидан назорат қилиш, урф-одатларнинг бажарилишини кузатиш, диний вазифаларини бажармаган кишиларни жазолашга ҳукм чиқариш кабилар билан шуғулланган. Бухоро амирлигида муҳтасиб шайх ул-ислом ва муфтийдан кейин учинчи мансаб ҳисобланган.

¹⁹⁰⁵ Ҳошида келган кейинги бир неча сўз ўчиб кетгани учун ўқиб бўлмади.

Ҳам аз жон шуда жумла баргашта бахт.
Зи шахзодагони замона ҳар чи буд,
Ба азми аморат ҳаме баст рахт.
Вале шуд ба шоҳ Худоёр ёр,
Саодат ки биншаст бар рӯйи тахт.
Бигў баҳри таърихи ў «жо гирифт,
Амир Худоёр бар рӯйи тахт».
[Фалак айланишидан замон шоҳлари,
Барчаси оғир кунга мубтало бўлишди.
Кечдилар жаҳон тахту тожидан ҳам жондан,
Барисидан бахт юз ўғирди.
Замон шоҳзодаларидан ҳар бири,
Амирлик учун кўрпа-тўшак ёйганди.
Лекин шоҳлик Худоёрга ёр бўлди,
Бахт ила тахт устига у ўғирди.
Унинг таърихи учун айт: «жой олди,
Амир Худоёр тахт устидан».

Яширин қолмасинким, «амир» ва «Худоёр» сўзларининг ҳар бири таърих моддаси бўлиб, «ёр» ва «ҳам» сўзлари воситасида «рӯйи тахт» сўзларигача барчаси бирга бир минг икки юз олтмиш (1260/1844) сонини беради.

**Худоёр валинеъмахон ибн Шермуҳаммадалихоннинг Хўқанди латиф мулки тахтига
чиққани – Аллоҳ мулки султонлигини мангу қилсин – зикри**

Олам манзаралари ва манзара оламини мушоҳада қилувчи кўрар кўз арбоблари назаридан бекитиқча ва махфий қолмасинким, меҳрибонлик насимлари ва жамол султони лутфларининг тарватлари ҳар неча вақтда бирор гулхона сари йўл солади ва барча димоғларни чоғ этади. Бундан етуклик сирлари маросими ул ҳудудда камолот юзини кўрсатади, ғоят ул-ғоётнинг янгилик аломати тақдир қўлига тушади. Жамол қуёши ва етуклик нури қайтадан //195^a бошқарув ўлкаси амирларини буюкликка етказиб, ўзининг аломатларини изҳор этиш ишлари сари йўналади. Бу сўзларни келтиришдан мақсад шуким, Муродхоннинг умид боғи ва орзу экинзори *қипчоқ* босқини ва истилоси сабабли эзилиб-янчилиш ва сўлиб-нобуд бўлиш даражасига етишгач, улуғ хусн булути ва энг аъло нуқтанинг оқ булути эҳсон ёмғирини ул маъно ташналари боши узра ёғдириб, ном-нишонсизлик пойгоҳидан парвариш ва яшнатиш дастгоҳига етказди. **Байт:**

Ҳеч дони кўси шаҳ баҳри чи афғоновар аст,
Мезанад навбат ки «ҳон, навбат аз они дигар аст».

[Билурмисан ҳеч шоҳ ноқораси нима учун фиғон келтирур,
Навбатга чақирар у: «ҳой, энди навбат бошқаники эрур».

Худоёрхон валинаъми Шермуҳаммадалихоннинг ўртанча ўғли бўлиб, *қипчоқ* қабила ва улуси билан биргаликда эски хон ўрнига тайинланиб, энг бахтли бир соатда отаси ва аждоди замонидаги дастур билан худо берган шоҳлик тахти узра жулус қилди. **Байт:**

Замиро зери тахти ором доданд,
Ба расми хос бори ом доданд.
Нишаст он шоҳ бар тахти Каёний,
Жаҳон лабрез гашт аз комроний.

[Ерни ором тахти остига беришди,
Хос қоида билан халқни саройга киритдилар.
Ул шоҳ Каёний тахт узра ўғирди,
Жаҳон шодликларга тўлди.

Шунда сарой амалдорлари жаҳонпаноҳ хон фармониға биноан ҳар бир вилоятни бирор амир, ҳар бир қишлоқ ва кентни бирор яқин кишиларига топшириб, мансаб палоси тартибини оз фурсатда амалга оширдилар. Шунингдек, яқин қариндошлар ва қабиладошлар ва ғалаба аломатли лашкардаги бошқа аскарларни подшоҳона ғамхўрлик ва меҳрибонлик ва турли-туман хусравона лутфлар билан сийлаб ҳамда бошқа ваъда қилинган яхши мақсадларга эриштиргач, хон давлат устунлари гапи билан йўналиш жиловини Хўжанд ва Ўратепа томонга буриб, йўлга тушди. Бир қанча манзилларни босиб ўтгач, Конибодомга қарашли ерлардан саналган Халта қишлоқ мавзесига келиб тушдилар. Шу аснода

бу томон йўлга чиқишдан олдин валинаъми беш юз кишини Муҳаммадкарим *додхоҳ*нинг орқасидан юборган эди. Хўжандга етишгач, уни ушлаб олиб, етиб келинган мазкур манзилда хон олдига келтирдилар. Ул қони тутганни шу манзилда шаҳидликнинг улуғвор даражасига етказдилар. Бобораҳим *иноқ*¹⁹⁰⁶ ни ҳам шу ерда ўлдириб, эртасига Хўжандга кириб бордилар. Ул вилоят ишлари саранжомини ҳам озми-кўп ўринлатиб, Турдибой исмли *қипчоққа* топширдилар. Бу барча ишларни қиёмига етказгач, Хўжанддан чиқиб, журъат қадамини Ўратепа томонга қўйдилар ва оз муддат ичида ул вилоят атрофида ҳам от чоптириб, яна қайтиб келдилар. Бу юришда унчалик нарса қўлга тушмади. Сўнг тўла иззат билан қийинчилик тортмай ва азоб чекмай салтанат қароргоҳига келиб тушдилар. Бу сафар //195^б ҳордиқларини чиқаргач, йўналиш отининг жиловини Дай вақтида ва совуқ маҳали Тошканд томонга буриб, қирқ кунда, балки ундан ҳам кўпроқ муддат давомида ул шаҳарни қамал қилиб қайтдилар. Бу воқеанинг муфассал баёни юқорида зикр қилинган эди. Хон бир қанча масофаларни босиб ўтгач, тўла улуғворлик билан келиб, салтанат пойтахтига тушди ва тахт ўриндиғи узра ўрнашиб дам олди. Шаҳар жойи қиш пайти зимистонга айланиши жиҳатидан ҳар ким ўзининг иссиқ оромгоҳи ва ҳароратли маконида совуқ ҳаво забтидан сақланишга ошиқди ва қиш фаслини шу зайл ўтказишни маъқул топди. Бу йилги қиш фаслида ҳавонинг одатдан ташқари қаттиқ совугани ҳодисасини шоирлар ҳам назм ипига тизгандилар. **Рубоий:**

Расид лашкари Дай саф кашид дар гулзор,
Пайи маҳор ба гулбуни синон кашид аз хор.
Синони хор магар гулбун асту ранж,
Шуда аст аз хунуқиҳойи бод ноҳамвор.
[Қиш қўшини келиб, гулзорда саф чекди,
Гулларни қуритиш учун илдизига найза урди.
Гул илдизи чекканди тикан найзасидан азоб,
Устига-устак бу совуқ шамолдан қулади ер тубан.

Ҳавонинг ўз меъёридан зиёд совуқлиги шиддати ўтиб, баҳор етишгач, барча халқнинг кўкрагига ёқимли шамол ҳам тегиб, тинч-омон ҳаёт кечира бошлади.

Ўша вақт оралиғида Мусулмонқули ҳам Тошканд борасида ўзида қанча хийла ва найранг бўлса жаҳду жадал билан юзага чиқариб, қўлидан келганча сайъ-ҳаракат қилди. Гарчи унинг бу ишлари ҳатто метиндек тошга ҳам ўз таъсирини ўтказа олса-да, аммо Тошканд бобида қўлидан бирор келмади. Ноилож ичган онту қасамларидан қайтиб ва ваъда қилган аҳду паймонидан айниб, ҳазрат Миён Халилни мушфиқона насихатлар орқали ва оталарча хайрихоҳлик билан сулҳ ишлари бўйича Саримсоқбек лақабли тенгсиз амири лашкар Абдурахмонбекнинг ҳузурига жўнатди. Жаноб ҳазрат икки томоннинг хайрихоҳлиги ва икки дунё савоби, икки олам обрўси учун топшириқ бўйича боришни ихтиёр қилиб, журъат қадамини олдинга ташлади ва ҳимматини Тошканд томонга тўғирлаб, йўлга равона бўлди. Бир неча кунлар ўтиб ва кўп йўлларни босиб, тўла улуғворлик билан Тошкандга кириб бориб, ул ақлсизларнинг не сўз можароси ва аҳду паймони бўлса, ўртага ташлади. Ва ул кулфат асарли нодонлар ризо қулоғи билан эшитиб, хабарни қабул қилиб, Худо ризолигига тан бердилар ва сулҳ туздилар. Ва жаноб ҳазрат ҳам бекбаччанинг дилини қасам таъкиди билан тўлдириб, ўзи билан бирга Тошканддан Хўқандга олиб келди. Ул шайхни алдовчи айёрлар эса икки-уч кунгача шоҳзодага меҳмондорлик кўрсатишди ва шундан сўнг Балиғчи томонга Худойберди *додхоҳ* ҳузурига юбордилар. Аммо кўп вақт ўтмай ул навқирон шоҳзодани ўша мавзеда шаҳидлик даражасига етказдилар ва қайтадан Тошканд ҳукуматини мулло Холбек *қўшбеги*га бахшида қилдилар. Мазкур *қўшбеги* тўла иззат билан Тошкандга кириб борди. Бироқ бу шаҳарда ҳукумат ўриндиғида икки ёки уч ой ўтириб улгурмай, ундан Тошкандни қайтариб олиб, Азиз *фармончи*га бердилар. Мулло Холбек бўлса эзилган ҳолда Хўқандга қайтиб келиб, Азиз *фармончи* давлат қувончи билан //196^а Тошкандга бориб тушди. Шу сабабдан қабила аҳли дилига адоватнинг оғзи олачилик тоши отилиб, иккига бўлиндилар ва ўзаро душманлик кайфиятлари вужудга келди. **Байт:**

Давлат ҳам зи иттифоқ хезад,

¹⁹⁰⁶ Иноқ – Марказий Осиёда XI–XIV асрларда ҳукм сурган сулолалар салтанатида «маслаҳатчи», “вазир”ни англатган; Бухоро ва Қўқон хонликларида ҳукмдорнинг ишончли кишиси, мансабдор. XVII–XVIII ларда Бухорода улуғ иноқ (иноқи калон) ва кичик иноқ (иноқи хурд) бўлган. Улуғ иноқ даражасига кўра, кўкалтош ва улуғ қўшбеги (қўшбеги-и калон) дан сўнг турган. Улуғ иноқ асосан, ҳукмдор фармонларини кичик мансабдаги амалдорларга етказиш ва амир қабулига муяссар бўлганларни киритиш билан шуғулланган. Кичик иноқ ҳам хоннинг ишончли кишиси бўлиб, баъзан саройдан отга минган ҳолда чиқиш ҳуқуқига эга бўлган. Ўз лавозимига кўра, улуғ меҳтар (меҳтари калон), девони саркор ва дастурхончидан юқори турган. Кичик иноққа ҳукмдорнинг муҳрлари солинган қутичани эҳтиёт қилиш топширилган. Кичик иноқ, шунингдек, амир номига тушган ариза ва шикоятларни қабул қилган; элчиларни қабул қилиш пайтида улар келтирган хатларни очиб, амирнинг шахсий котиби (мунший)га тақдим этган.

Бе давлати аз нифоқ хезад.
[Давлат ҳам иттифоқдан бўлур,
Давлатсизлик нифоқдан бўлур.

Шу гаплар бўлиб ўтаётган айёмда хон истаги бўйича ва тўла маслаҳат натижасида *қипчоқ* давлати устунларининг барчаси орадаги кўнгил хираликка қарамай, тўла иттифоқлик билан Ўратепа томонга кўшин тортиб, ул шаҳарнинг ён-атрофига яхшигина босқин-чопқин уюштирдилар. Бир неча вақт қалъани қамал қилдилар, аммо қамал муддати ҳадеб чўзилаверганидан йўналиш жиловини Хўқанд сари орқага бурдилар. Ўша аснода иттифоқчиликнинг энди очила бошлаган йўли яна ёпилди, яъни хон Мулло Холбек *қўшбегини мингбошилик* салтанати билан сарафроз қиларкан, Мусулмонқулини эса *Қурама* Овлиғига жўнатди ва ўзи тўла иззат билан мансаб қароргоҳига келиб тушди. Бу ваҳшат асарли хабар *парвоначи*¹⁹⁰⁷нинг қулоғига етишди. Ўша пайтда у Туркистон¹⁹⁰⁸га кетиб, Қаноатшоҳни қамал қилиб ётган эди. Шу куниси рўй берган яхши воқеалардан бири Туркистоннинг фатҳ этилиши бўлди. Фатҳу зафар қозонилгач, ул мамлакат ишларига саронжомлик бағишлаб, орқага қайтди ва Тошкандга етиб келиши ҳамано Хўқандга нисбатан қаршилик йўлига ўтиб олиб, муҳолифатни бошлаб юборди.

Ўша замонда Мусулмонқули даврида вабо касали тарқалиб, азим бир даҳшат ва туганмас касаллик жону танларга ўлим хабарини солди ва ҳар куни ўлим ёмғири жоладек шаҳару саҳро аҳли устига ёғилиб, минг-минг одам хоку туроб қаърида йўқ бўлди. Бу ҳақда Эшон қори Қундузий бир таърих иншо қилган. **Таърих:**

Зи офоти самовий ҳамчу жола,
Вабо борид дар иқлими Турон.
Ҳамчунон ки зи ваҳми сели марг ҳар кас,
Ба ҳар сў медавид афтону хезон.
Яке ғассол чу дигар кафан хоҳ,
Яке дигар ба роҳи гўр ҳайрон.
Вале Комий аз ин ташвишҳо дошт,
Фароғати дил ба таърихаш хирад з-он,
Зи рўйи зиндагий бигзашта мегуфт:
«Вабо борид дар иқлими Турон».
[Самовий офатдан жола каби,
Вабо ёғди Турон ўлкасига.
Ўлим сели ваҳмидан халқ,
Йиқилиб-туриб бирон ерга қочарди.
Бир ўлик юғучи, бири кафан излар,
Бирови гўр йўлида ҳалак, ҳайрон.
Лек Комий бу ташвишлардан узоқ,
Ақл шундан топди таърихини,
Ҳаёт юзидан ўтиб, деди:
«Вабо ёғди Турон ўлкасига».

Махфий қолмасинким, «рад ул ажз ала ас-садр» тариқи билан воқе бўлган мисраъ таърих моддаси бўлиб ва «рўйи зиндагий» сўзидаги «зо» ҳарфи исқотига ишора қилингани учун бу ерда бир минг икки юз олтмиш бир (1261/1845) сони ҳосил бўлади.

Ва ўша пайтда Мусулмонқули ўзининг мулки тасарруфига кирган эски Ўрда ўрни бўлмиш Бозори Навни одамларга сотиб, тақсим қилиб берди. Ҳозир бу ер машҳур жой ва обод бир маскандир. Шу сабабли бозор чеккасидаги бир неча минг кишининг ерлари ва дўконлари бекорга бузилиб кетди. Эвазига бир пул ҳам олишмади.

Мусулмонқули *мингбошининг* Фарғона мулки сардорлигидан (биринчи марта) бўшатиlgани ва унинг шу диёр зиндонига тушгани таърихи эса будир. **Таърих:**

Чун Мусулмонқул миёни халқ ёфт,
Бар ҳукумат зи инқилоби чарх даст.
Авжи давлат дода фавжи сифларо,
Бори ў бар дўши аҳли жоҳ баст.
Ҳар ки дар давраш саре боло гирифт,

¹⁹⁰⁷ Парвоначи/фармончи – парвона, яъни капалакдек хон (амир) хузурига кириб, ариза ва сўровларни олиб кириб, жавобини олиб чиқадиган амалдор.

¹⁹⁰⁸ Туркистон – қадимги Яси. Сирдарё қўйи оқимидаги шаҳар. Истехком ва қалъа бўлган.

Рутбаи ў шуд зи хоки даҳр паст.
Яъни фикандаш сар аз тан зери дор,
Фарқ нокарда ки ин беҳ ё бад аст.
Ончунон теғи сиёсат ронд к-зи,
Рўйи ў безор шуд ҳар касе ки ҳаст.
То ки баҳри азли ў хурду калон,
Ҳиммате карданд кўҳ аз жой жаст.
Ончунон к-афтода ғул бар гарданаш,
Гашт маҳбус, жаҳон аз зулм раст.
Фикри Комий бурд зери хирад,
Толиби таърихи азлаш менишаст.
Гуфт: «бибурида сари бисёрро,
Ёфт иқболи Мусулмонкул шикаст».
[Мусулмонкулнинг фалак ўзгаришидан,
Ҳукумат этагига қўли етгач.
Пасткашларни давлат тепасига чиқарди,
Улар юкини мансаб аҳли устига ортди.
Унинг даврида ким бошини кўтарса,
Мартабаси тупроқдан ҳам паст бўлди.
Яъни бошини узиб дор тагига отди,
Унинг яхши ё ёмонлигининг фарқи йўқ эди.
Шундай сиёсат қиличини сармадики, унинг
Юзини ким кўрса, жони халқумига келадиган бўлди.
Катта-ю кичик унинг бўшатилиши учун,
Ҳиммат қилдиларки, ниҳоят тоғ ўрнидан кўзғалди.
Бўйнига шундай занжир тушдики,
Маҳбус бўлди, жаҳон аҳли зулмдан қутулди.
Комийнинг фикри ақл тагига элтди,
Бориб таърихин кутиб ўтирди.
Ақл деди: кўпнинг бошини қирққан эди,
Мусулмонқулнинг давлати шикаст топди].

Яширин қолмасинким, «иқболи Мусулмонкул» сўзлари таърих моддаси бўлиб, таърих моддаси ўрнида келган «шикаст» сўзига ҳам ишора бўлгани ва шеърдаги «сари бисёр» исқоти айтилгани сабабли, унинг «бо»си тушиб қолиб, бу ерда биринчи моддадан бир минг икки юз олтмиш уч сони ҳосил бўлади. 1263/1847.

//196^б Азиз парвоначининг Туркистон қалъасини қамал қилгани ва ул вилоятни фатҳ этгани ҳамда Хўқанди латифга қарши муҳолифат бошлагани баёнидан бир неча воқеалар зикри

Тарих битувчилик йўлининг йўловчиси бўлмиш саёҳатчи қалам, ривоят ва фасоҳат майдонининг поёни изҳорини қилувчи солиқ сўзга жило бериш манзилларидан ва ҳикоят ёйғувчилик бекатларидан афсона кўч-кўлонини баён манзили сари орқалаб юрган кўйи шундай дейдики, шаҳзода Абдурахмонбекни ёлғон рангли ва алдов сифатли қасамлар билан қўлга илинтириб, мулло Холбек қипчоққа эса Тошкандни берган вақтларида, Қаноатшоҳ Туркистонда ҳукумат юргизиб ўтирарди. Акаси Давронбек эса Тошканднинг баҳодирбошлик мансаби билан сарофрозлик топган эди. Тошкандни қабул қилиб олиш учун одам келгач, у қочиб Туркистонга кетди ва ака-ука биргалашиб, қаршилиқ йўлига кирган кўйи қалъани мустаҳкамлашга тушдилар. Ўша воқеалар рўй бериб турган вақтда булар устига лашкар тортмоқчи бўлиб турган Мулло Холбек тез орада ишдан бўшатилиб, унинг ўрнига Тошканд салтанати билан сарафроз бўлган Азиз парвоначи Тошканд шаҳрига келиб кўнди. Мулло Холбек ғуссадан эзилган кўйи Хўқандга қайтиб, энди Азиз парвоначи Туркистон вилоятини эгаллашга бел боғларкан, лашкардагиларнинг барчасини инъому эҳсон билан мамнун ва хурсанд қилди. Сўнг сон-саноксиз аскарли қўшин тўплаганча Туркистон томонга йўналди. Неча бир манзилларни босиб ўтиб, ул ҳудудга етишди ва мазкур вилоятга қарашли Иқон ва Қарнок музофотларини ўз тасарруфи доирасига киритиб, бир неча кун давомида Туркистон қалъасини қамал

қилди. Ҳадеганда мақсадига эришавермагач, Иқон ва Қарноқда Умматбий қароқалпоқ¹⁹⁰⁹ ни қолдириб, ўзи қайтиб кетди. Иккита лашкар бир-бири рўпарасида бир неча кун тургач, тунлардан бирида Қаноатшоҳ тавсани жиловини буриш маслаҳатини кўнглига тугиб, акасига «Иқон ва Қарноқ ораси тахминан бир ярим фарсах, балки ундан ҳам озроқ масофа. Ушбу оқшом уйқу деган нарсага эрк бермай ва қамалиб ётавермай, билдирмасдан душман устига бостириб борсак-да, ҳужум уюштирганча ғанимга зарба берсак, бу энди мардларнинг иши бўлажак» деди. **Байт:**

Ҳар ки аз хор битарсад назад доман гул,
Ком агар коми наҳанг аст бибояд талабид.
[Тиканидан кўрққан киши этагига гул термайди,
Мақсад аждаҳо оғзида бўлса ҳам уни олиш керак.

Мулло Шокир исмли саркардасига уч юз нафар баҳодирни олиб, Иқон ва Қарноқ қалъалари мавзесига бориб, босқин-чопқин уюштиришни буюрди. Мулло Шокир ҳам худди шундай қилиб, ўша қоронғу тунда қалъадан чиққан кўйи ул сарзаминга етиб борди ва бир қулай жойда яшириниб турди. Энди рўй берган мана бу яхши бир тасодифий воқеага қаранг: айнан ўша оқшомиси Умматбий ҳам худди шу каби умид билан //197^a Иқондан чиқиб, бир минг икки юз кишиси билан йўлга тушди. Аммо нечукдир Мулло Шокирға дуч келмай, Туркистон қалъаси устига етиб борди ва пана бир жойда қулай пайт пойлаб ётди. Қаноатшоҳ Мулло Шокирнинг йўлга чиқиб кетиш пайти «биз ҳам тонгга яқин кетингиздан етиб бориб, ёрдам берамиз» дея ваъда берган эди. Шу ўй ва режа билан эрта тонг отган маҳал қалъадан чиқиш учун шайлана бошлади. Улар чиқиб кетишидан бурун фуқаролар ўзларининг молу сигир подаларини ўтлатиш учун далага олиб чиқдилар. Шу аснода дала томондан чанг тўзони кўринди. Доно қаровул¹⁹¹⁰ лар ва узокни кўрувчи кузатувчилар чуқур назар солиб, душман келаётган бўлса керак, деб ўйлашди ва дарҳол тепаликдан туриб, подачиларни чақирдилар. Подачилар ҳам бу хабардан огоҳ бўлиб, орқага қайтдилар. Подачиларнинг олди шаҳарга кириб улгурмай, улар ҳам қалъага яқин етиб келиб, изи бору молнинг ўзи йўқлигини кўришди. Ноилож мақсадга ета олмай, орқага қайтиб, тепалик устига чиқиб турдилар. Шу аснода Қаноатшоҳ ёнида қолган беш юз нафарга яқин одами билан ғалаба умидида қалъадан чиқиб, бирданига сина ёрар найзалар ва яланғоч туфанглар билан ғилофсиз ўқларни ул ноинсофлар томон қаратганча кўйиб, от солган кўйи етиб келишлари шу бўлди-ю, ул йўл йўқотган гумроҳлар ўзларини орқага олиб, «орқага қарамай қочиш яхшидир» сўзини ихтиёр қилганча қочишга тушдилар. Яхши бир тасодифга кўра, ул даштга қаттиқ ёмғир ёғиб, ҳамма ёқ лой ва балчиқ бўлган эди. Бир нечалар шу ботқоқ лойга ботиб, кутулиб чиқиш чорасини топишмади. Фақат озгинаси минг бир тадбир билан чиқиб, ура қочдилар. Жуда кўплари эса зафар аҳли кўлига асир тушиб, банди бўлдилар. Ғалаба қозонганлар катта обрў билан қалъага қайтиб кирдилар. Мулло Шокир ҳам ўта эҳтиёткорлик билан пистирмада фурсат пойлаган кўйи яшириниб ётаркан, Иқоннинг барча аҳолиси субҳидам чоғи молу ҳолидан айрилишни хаёлига ҳам келтирмай, кўнгилларини ҳар қандай хатардан тўқ тутганча ўз мол ва кўй-кўзиларини қалъадан ташқари ҳайдаб чиқиб, ўтлатиш учун далага кўйиб юбордилар. Мулло Шокир бунинг орқа-олдини ўйлаб, вақтни ғанимат билиб, яширинган манзилдан моллар устига чаповул солди ва ул подаларнинг ҳаммасини олдига солиб ҳайдаган кўйи орқага қайтди. Шу аснода йўлда Умматбийнинг ўттиз нафар билан қочиб кетаётгани кўрдилар. Мулло Шокир бир юз эллик нафар эран йигитни ажратиб, ул қочоқлар устига юзланиб, югуриб-чопишга тушдилар. Қочоқлар эса булар

¹⁹⁰⁹ Қароқалпоқ/қорақалпоқ – Ўрта Осиёдаги халқ, Ўрат Осиё, Туркменистон, Қозоғистонда, Россияда, Афғонистонда, Эронда ҳам яшайди. Қорақалпоқ тилида сўзлашади. Мил. II аср охири – IV асрларда Орол бўйи чўлларида Шарқдан хунлар, VI-VIII асрларда эса туркийлар келиб маҳаллий қабилалар билан қисман аралашиб кетган. Мана шу этник негизда Орол бўйи илк ўрта аср халқлари – бижанақлар ва ўғузларнинг шаклланиш жараёни кечган, уларнинг мухитида VIII-X асрларда Қорақалпоқларнинг ҳам шаклланиши бошланган. X асрнинг бошида бижанақларнинг бир қисми Ғарбга, Жанубий рус чўлларига кетган; Киев Руси ҳудудига келиб жойлашган қабилалар рус йилномаларида “чёрные клобуки” (қора қалпоқлар) деб ном олган. Волга-Урал оралиғида қолган бижанақларнинг шарқий қисми Иртиш ҳавзасидан келган кипчоқлар билан аста-секин аралашиб кетган, уларнинг тилини қабул қилган. Манбаларда кипчоқ уруғ-қабила иттифоқида “Қорақалпоқ” атамасига мос келувчи «қора бўркли» этноними учрайди. Мўғуллар истилоси даврида Рашидиддин асарида «қавми кулохи сиях» номи билан қайд этилган. Чингизхон босқини оқибатда улар Ғарбга – Волга бўйларига, Сарикамиш, Ўзбўй ва Амударёнинг қуйи оқими бўйларига кўчишга мажбур бўлганлар.

Қорақалпоқ лар ярим ўтроқ ҳаёт кечириб, суғорма деҳқончиликни чорвачилик (айникса, қорамол) ва балиқ овлаш билан қўшиб олиб борганлар. Уларнинг аксарият қисми XVII-XVIII асрлар ўрталарида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими бўйлари (Туркистон, Жанкент, Чириқработ) ҳамда бир қисми Орол минтақасида (Кўнғирот, Шохтемир ш.) яшашган. Бирок Ёйиқ ва Эмба дарёлари бўйларида ҳам улар истикомат қилганликлари ҳақида маълумотлар бор. 1743 йили қозоқ хони Абулхайрхон қароқалпоқларга ҳужум қилган, натижада сирдарёлик қароқалпоқларнинг асосий қисми XVIII асрнинг икинчи ярмида Сирдарёдан унинг ғарбий ирмоғи – Жанадарёга кўчган. XIX аср – XX аср бошида қароқалпоқларда хўжалик, ижтимоий ва оилавий ҳаётда уруғ-қабила тизими ва патриархал-уруғчилик муносабатлари қолдиқлари сақланиб қолган.

¹⁹¹⁰ Қаровул – соқчи, посбон.

олдига тушган кўйи орқага қарамай қочиб бормоқда эдилар. Шунга қарамай орқаларидан қувлаб етиб, //197^б йигирма нафарга яқин кишини қўлга тушириб қайтдилар. Сўнг тўла фатху ферузлик билан қалъа ичига кирдилар. Ўлжа устига ўлжа, хурсандчилик устига хурсандчилик қилиб, бир-бирини қутлаган кўйи шодликларини шаҳар аҳли билан баҳам кўрдилар. Йирик шохли семиз молларнинг ҳар бирини икки-уч тангадан арзон-гаров сотдилар. Барчанинг юраги қувончга тўлиб, шоду хуррам бўлдилар.

Бу даҳшатли хабар Азиз *фармончининг* қулоғига етишгач, Умматбийни бўшатиб, Иқон ва Қарноқни Додар *фармончига* бериб, «мен бормагунимча қалъа ичидан чиқмайсан, чунки Қаноатшоҳ жуда айёр одам, унга тенг келиб бўлмайди», дея қаттиқ тайинлаб юборди. Додар *фармончи* фармойишга амал қилиб, қалъани мустаҳкамлашга бел боғлади. Азиз *фармончи* яна бир тайёр туришларини таъкидлаб, уларга рухсат берди. Додар *фармончи* кетишга рухсат олгани заҳоти анча йўл юриб, ул сарзаминга етишди. Келганлар бир неча кун тўйиб дам олишгач ва истироҳатдан сўнг бошларига баҳодирлик даъвоси ва сипоҳигарлик иддаоси тушиб, Умматбий йўл қўйган хатоларни ўнглаш ва бой берган ютуқларни қўлга киритишни ғайрат юзасидан кўнгилга тугдилар. Шу ўй ва маслаҳат билан тунларнинг бирида минг нафарга яқин киши билан бирга Туркистон қалъасига босқин-чопқин уюштириш ниятида Додар *фармончидан* бошқалари чиқиб йўлга тушганча мулжаргоҳ мавзесига етишди. У ерда машриқ уфқидан оламни кезувчи офтоб равшан ва намоён бўлиб, туннинг ҳабаший кирдор қора тани мағриб чуқури қаърига чўккунча пойлаб турдилар. Шундан сўнг бу бечоралар бояги орзу мазаси билан тамшаниб, не-не ўлжаларни қўлга киритиш умидида пистирмадан чиқдилар ва Туркистон қалъаси ён-атрофига зулм қўлини чўзмоқчи бўлдилар. Бу ишдан Қаноатшоҳ огоҳлик топиб, Туркистон лашкари билан ташқари чиқиб, ул қўшин устига етишдилар. Келувчилар эса шу заҳоти олду ортга боқмай, қочиш водийси сари юзландилар. Қўркмас Қаноатшоҳ улар кетиши мумкин бўлган йўлларнинг олд-орқасини маҳкам беркитиб, келганларни қўй подаси каби бир ерга йиғди ва барча қурол-аслаҳа, оту яроғ, эгинларидаги кийим ва салла, этикларини ечиб олиб, қип-яланғоч, бош очик, оёқ яланг ҳолда қалъанинг хандақи оғзигача келтириб, қатор-қатор ўтқазиб қўйди. Раҳми келган мусулмонлар хайру эҳсон тариқасида ул кўрнамакларга нон, сув келтириб бера бошладилар. Асирлар шу билан юракка озгина тасалли бериб, хотиржамлик ҳосил қилиб, нафас ростладилар. Шу аснода Қаноатшоҳ карам ва мурувват юзасидан ҳар бирининг ном ва аҳволини алоҳида сўраб, ҳар бирининг мартабасига қараб кийим ва салласини қайтариб бериб, кетишларига рухсат берди. Ватанга қайтишни истаган айримлар вақтни ғанимат билиб, қайтиб кетдилар ва кўпчилиги Қаноатшоҳга итоат билдирганча шу ерда //198^а қолдилар. Бу жонни куйдирувчи хабар минг бир ёлғону рост билан қоришган кўйи у ердаги Азиз *фармончига* етишди. Синани куйдирувчи оташ ёлқинли хабар бу кам ақлнинг ҳуш қулоғига эшитилгач, худди тикан ўрами ичида қолгандек, ўзини у ёқ, бу ёққа урди ва бу янглиғ ғам-ғуссадан қарор ва оромини йўқотиб, баҳор фаслигача ҳаловат нелигини билмади. Баҳор фаслининг бошида катта қўшин тўплаб, йўналиш жилловини Туркистон шаҳри томонга бурди. Юришни ирода қилган қўшин отлик ва пиёда неча бир манзилларни босиб ўтиб, мақсаддаги манзил сарҳадига етишди ва дам олиш учун қўш ташлади. Дам олингач, барча тараддуд ва саъй-ҳаракатни қалъани олмоққа қаратиб, инсон боласи ақлига сиғмайдиган даражада ҳамла жанглари амалга оширишди. Бироқ ҳеч бир натижа аломати юзага чиқмади. Ҳар куни душман босқини ўнгу сўлдан амалга ошиб турди. Ниҳоят қалъа ёнига олиб борган от-улов, қурол-яроғ, одамларидан анчасини ғам-ғусса ичида қайтариб, ўзи бориб тушган қалъага келтирди ва қалъани таъмирлаб, ўз лашкарига экинзорларни обод этиш ва у ерларга қовун экишни буюрди. Ўзи эса амирлар билан маслаҳатлашиб, Туркистон қалъасининг ён-атрофини ер билан теп-текис қилиб, қалъа тагини эса баланд кўтариб, шаҳар сувини ўша текисланган сахнга оқизди. Қалъа аҳли ҳам бу ишдан огоҳ бўлиб, яна паст жойларни баланд кўтариб, ўзлари эҳтиётига киришдилар. Шу зайл қамални забт этиш ишлари ўн бир ойга чўзилди. Юриш муддатининг бундай чўзилиши Азиз *парвоначининг* ҳафсаласини пир қилди. Шу сабабли Қаноатшоҳга насихатлар қилиш ниятида душмани олдига доно элчи юборди. Ул элчи бахтли бир соатда шаҳарга кириб, Қаноатшоҳ ҳузурига етишди. Нима лойиқ ва муносиб тухфа бўлса, олдига қўйди. Дилга ўрнашар насихат дурлари билан ул қаттиқ турувчининг қаттиқ тийнатини сулҳ тузиш сари юмшатди. Тарафлар бир неча бор бордикелди ишларини амалга оширгач, музокаралар яхши натижа бериб, сулҳга келишилди. Бу сулҳ шартига биноан Қаноатшоҳ Бухоро томонга ўз истаги билан чиқиб кетадиган, *парвоначи* эса қалъада қолган қўшин ва фуқарога тегмайдиган бўлди. Хуллас, қасос ва адоват юзасидан бирор кишига азоб ва укубат берилмаслиги айтилгач, бу ишга ҳар икки тараф ризолик бериб, орага яраш сўзини солдилар. Қаноатшоҳ ваъдага вафо қилиб, ўз истаги билан қалъадан чиқиб, бир тепаликка бориб тушди. Бу томондан Азиз *фармончи* унинг олдига бориб, анча вақт бир-бири билан //198^б гаплашиб ўтирдилар. Азиз *фармончи* Қаноатшоҳни қолишга кўп ундади, аммо у рад жавобини бериб, кетиш

учун рухсат тилади. *Фармончи* минг танга пул ва подшоҳона сарупо бериб, Муҳаммадниёз *понсадбоши*¹⁹¹¹ ни Сайхун дарёси қирғоғигача ўтказиб келиш учун ҳамроҳ қилди. Дарё лабига етишгач, малоҳатда ягона хос маҳрамини орқасига миндириб ва тилло қутигасини эгарнинг олдига жойлаштириб, Азиз *парвоначи* томонидан қандай инъомлар берилган бўлса, Муҳаммадниёз *понсадбоши*га бахшида қилганча одамларини кемага ўтиришга буюриб, қамчини ўзининг хос оти Қалдирғоч Орога уриб, дарёга ташлади ва озгина сузиш ҳаракати билан нажот соҳилига чиқиб олди. Одамлари ҳам сиҳат саломат ўтиб, Бухоро тарафга йўл солдилар. Йўл асносида Азиз *парвоначи* эҳтиёт юзасидан қозоқлардан беш юз нафарга яқин кишини қаровулликка қўйган экан. Улар турган жойга етиб келиб кўрсалар, энди бу ердан эсон-омон ўтиш барчасидан ҳам баттар. Ўтиб-қайтишнинг ҳеч иложи йўқ. Шунда ноилож «Аллоҳга тавккал қил»ни кўнгилга қаттиқ тугиб, атиги бир неча киши ул ҳамиятсизлар устига ўзларини шундай урдиларки, биринчи ҳамладаёқ орадан кўтариб, худди Банот ун-наъш юлдузлари каби ҳар ёнга тум-тарақай қилиб тарқатиб юбордилар. Аммо уларнинг ҳаммасини қочирмай, бу марди майдон ботирлар ҳар тарафдан улус катталарининг оёқ-қўлини боғлаб, Қаноатшоҳ ҳузурига олиб келдилар. Қаноатшоҳ уларнинг ишга яроқли қурол ва отларини олиб, ул қавмнинг ўн нафарини ўзларига йўл кўрсатиш учун сақлаб, бошқасини қўйиб юборди ва Бухоро сари йўналди.

Энди воқеани Азиз *парвоначи*дан эшитинг. Қудсий маосир сўз тингловчилар ва бемадор оламнинг ўтмиш воқеаларидан хабар берувчи ва нопойдор олам инқилоби хусусиятларидан хабардор кишиларнинг ҳақиқатни кўрсатувчи ақлларида яширин қолмасинким, бу сўзнинг қисқаси ва бу мисол хулосаси шулким, Азиз *фармончи* Қаноатшоҳга рухсат берган ўшал кун ва фурсатда ҳамда ўзи салтанати устига чиқиб, қарор топган мазкур аснода биёбон томондан худди ажина довули каби ингичка бир дуваранг пайдо бўлди. Кўрар кўз аҳллари бу чанг-тўзонни томоша қилиб туришаркан, унинг ичидан бир одамнинг ўта тезлик билан чиқиб келаётганини кўришди. У турганлар яқинига келиб, қўлидаги хат-хабар қоғози ўрамини Азиз *парвоначининг* қўлига тутқазганча //199^a Мусулмонқулнинг мансабдан бўшатилиши ва мулло Холбек *қипчоқнинг* вазирликка етишгани борасида қанақа воқеа содир бўлган эса бир-бир баён қилди. Бу гапларни эшитгач, ул бий вужудида қандай ғаҳру ғазаб бўлса ҳаммасини бир ерга йиғиб, шунчалик сўқинишга тушдики, гўё ўлаётган одам оғзига келганини айтаб қолади, маънисини юзага чиқараётган эди. Бироз фурсат шундай ўтгач, қайтиб ўзига келди ва дарҳол ишончли одамларини эҳтиёт билан шаҳарга юбориб, ўзи Туркистон шаҳрига кирди. Бир неча кун ўша ерда туриб, қалъанинг бузилган ерларини тўғрилатди, сўнг бу шаҳарни ишончли одамига топшириб, ўзи ҳам Тошкандга қайтди. Анча манзилларни босиб ўтгач, Тошканд шаҳрига кириб қалъа сақловчилик истехкоми ва уруш фитнасини жонлантириш мақомида қарор топди.

Энди икки оғиз сўз Мулло Холбекдан баён қилинади. Мусулмонқулини вазирлик мансабидан тушириб, Овлиқ қалъасига юборган вақтда ва ўзи вазирлик давлатига ўтирганда агарчи улус катталаридан бўлса-да, муллолиги сабабли кўзи торлиги ва қуруқ қўллиги бор эди. Шу сабабли қабила ва улус жамоаси унинг ҳукуматига рози бўлмай, ўзларининг қилган ишига пушаймон ер эдилар. Шу вазият чоғи айрим ўжар авбошлар маслаҳат ва кенгашга кўра, Норбўта хоннинг қиз набираларидан бири бўлмиш Подшоҳхўжа тўрани хонликка кўтариб, тунлардан бирида хуруж қиладиган бўлдилар. Келишилган ўша тунда *қипчоқларга* хабар етишиб, ул айёр жамоа устига лашкар хужуми уюштириб, Урганжий маҳалласида Муҳаммаддиёр *қўрбоши* ва *офтобачи* ва бошқалар билан жанг бўлди. **Байт:**

Яко як чу чашми бутони теғзан,
 Чу зулфи пур аз хуснашон саф шикан.
 Ҳама аз мужжаи офати рўзгор,
 Ба як тир афканда ҳар су ҳазор.
 [Қилич урувчи бутлар кўзидек бир-бир,
 Зулфи чиройидан сафлари ёрилган.
 Бачаси ҳаёт киприклари офатидан,
 Ҳар томонда мингтаси бир томон чўзилган.

Душманлар сони кўплиги *қипчоқларга* ёр бўлиб, исёнчиларни бир-биридан ажратиб ташладилар ва иккига ажралиб, бир-биридан айро тушган бу бўйсунмас жамоанинг юрагига шу зайл кўрқув солиб, ғолиб келдилар Улардан айримлари Тошкандга ва баъзилари қаердан бирор бошпани излаб топишса, ўша томонларга қочиб кетишди. Шу билан ўзлари ўзига жазо топиб бердилар. **Байт:**

¹⁹¹¹ Муҳаммадниёз понсадбоши (ваф. 1857 й.) – Турсунмуҳаммад ўғли. Тошкент (1852-1853) ҳокими, мингбоши (1854-1857).

Дар ғам афтодаму зи андуҳи ғам озод шудам,
Дар бало мондаму аз бими бало ворастам.
[Ғамга ботдиму ғам ташвишидан озод бўлдим,
Балога қолдиму бало ҳадикидан қутулдим.

Шу ҳолат юз бериб ва бу гап-сўзлар айтилиб турган маҳалд Азиз *парвоначининг* дабдабаси ҳаддан ошди. У гўё шу янглиғ сиёсат дағдағаси билан ҳаммани ўз ҳайбатидан қўрқитмоқчи бўлаётган эди. Ҳозирча ҳеч бир сабабсиз қилаётган бундай қаҳру ғазабини кўрган ишончли кишилари шакар таъмли сўзлар билан насихат қилиб кўрсалар ҳам ҳеч бир мусбат натижа чиқара олмадилар. Ноилож ҳиммат камарини ул беиззатнинг жони қасди сари боғлаб, чумоли-ю чигирткадек кўп лашкар тўплаб, //199^б Тошканд томон йўлга тушдилар. Анча йўлларни босиб ўтгач ва масофаларни ортда қолдиргач, қишлоқ ва қалъаларни фатҳ этган кўйи Тошканд устига келиб тушиб, қалъа қамалига киришдилар. Тошканднинг чаққон ва эпчил мард йигитлари қалъадан ташқари чиқиб, лашкарнинг олд қисмлари билан уруш бошладилар. Ҳар куни бир-бирига тўғри келиб, найзабозлик ва қиличбозлик жанглари амалга оширар эдилар. Шу тариқа бироз муддат қамал ишлари қалъанинг гир атрофида ва қалъа дарвозасини ўраш билан амалга ошиб, орадан қирқ кун, балки ундан кўпроқ вақт ўтди. Аммо ғалабадан ҳеч қандай аломат кўринмади, нусрат зуҳури юз бермади. Бу юриш сафарининг қийинчилик аломатлари лашкар аҳли пешонасида намоён бўла бошлади. Ноилож тавсан отлар жилловини эгар бандига боғлаб, Хўқанд тарафига томон қайтиб кетдилар. Курама (вилояти) қишлоқларидан бири бўлмиш Тилов қишлоғи¹⁹¹² манзилгоҳига етганларида отлардан тушиб, Мусулмонқулининг маслаҳатини ўртага солдилар. Улус катталари биргалашиб ишончли одамларни Мусулмонқул учун юбориб, олий мансабли хон Оқ ото манзилгоҳига етган вақтда ул тарафдан Мусулмонқули йўлини шу ердан солдириб, олий мартабали хоннинг манзурлик назарига етказдилар. Хонлик лутфи ул нокас ҳаққида ҳаддан ташқари бўлиб, мулукона саруполар ва хусравона араб насли от инъом қилдилар. Бобо тархон мавзесига етганда эса ўша кечаси осойиш ва фароғат билан мазкур мавзеда тунаб қолдилар. Қабиланинг барча катта-ю кичиги ва хон ҳазратнинг марҳамати билан Мусулмонқулини вазирлик мансаби ва амирлик салтанати авжига кўтариб, мулло Холбекни ҳукуматдан туширдилар. Мулло Али қори Қундузий Мусулмонқули *мингбошининг* иккинчи марта Фарғона мулки сардорлиги мансабига тайин этилгани санасини шундай таърих силкига киритганди.

Таърих:

Чун Мусулмонқули фитод аз мансаби сардорияш,
Оташ фитна миёни ҳамдигар афрўхтанд.
Мардуми Фарғона аз бас ин, ки бар жояш нишаст.
Буд на соҳиби сиёсат ў на марди хушманд.
То ки шамшери адоват бар кашида аз наём,
Чун ҳамдигар зи ифроти жаҳолат рехтанд,
Ложарам султон ба ихзори Мусулмонқул равон,
Карда сардорони худ овард аз жойе, ки банд,
Буд то бар мансаби сардорияш нишонанд боз.
Чун ба пири ақл гуфтам соли таърихаш ба чанд,
Ҳаст гуфто дар миёни «қавми» «бе сар» боз шуд.
«Пояйи меърожи иқболи Мусулмонқул баланд»,
Комий акнун гў, ки ин мардум дар ин олам мабод,
Аз ҳужуми оташи фитна парешон чун сипанд.
[Мусулмонқули сардорлик мансабидан тушгач,
Фитна оловин ўзаро ёқдилар,
Фарғона аҳли. Энди қайта мансабга ўтиридию,
Бироқ на сиёсатчи эди на ақлу хушли.
Улар қиндан адоват шамширини чиқариб,
Бир-бирдарин қонларини тўка бошладилар.
Султон ҳам Мусулмонқулини ҳозир этиш учун,
Банди бўлган жойига сардорларини юборди.
Уни олиб келиб қайта мансабига кўтардилар.
Ақл пирида бу воқеа тарихини сўрадим, дедик
Бебош қавм ичида Мусулмонқулининг меърож пояси баланд бўлди.
Комий энди дегинки, бундай оломон дунёда бўлмасин,

¹⁹¹² Тилав/Телов Оҳангарон туманидаги қишлоқ.

Улар фитна оловидан исирик чўхидек йўқ бўлиўсин.

Махфий қолмасинким «боз шуд пояи меърожи иқболи Мусулмонқул баланд» таърих моддаси бўлиб, «қавми» «бе сар» («қирқ олти») сўзининг таълифи бўйича бир минг икки юз олтмиш уч(1846-47) сонини беради.

//200^a Қиссамизга қайтайлик. Азиз *парвоначи қипчоқ* камалидан қутулгач, кўнгли андак тасалли топиб, жаҳонбонлик ишлари мулоҳазаси ва мамлакат олувчилик юмуши тақозосича амал қилиб, хазинага кирди ва унинг бўм-бўшлигини кўрди. Хазинадан қўли қуп-қуруқ чиқиб, юраги алланечук ҳолда салтанати тахтига келиб ўтирди ва бир зум ўтмай, амирлар ва давлат устунларини чақиришга киши юбориб, уларни саройда ҳозир қилди. Уларга лашкар маоши билан боғлиқ кийинчилик ва хазинанинг бўш қолгани борасидаги гапларни айтиб берди. Чунончи демишлар, **байт:**

Зарат гар нест хомўш бош ҳарфат бе асар гардад.

Ки овози тараннум аз раги сим аст қонунро.

[Олтининг бўлмаса жим ўтиравер, чунки сўзинг бир пул,

Тараннум овози қонун асбобининг сим торидан чиқади.

Умаро аҳлининг бариси ва вазирлар маслаҳат юзасидан бу дилга ёқар иш ва дилни қитикловчи нағмага жўр бўлиб, «ҳар йиллик маош учун вилоят ва музофот аҳолиси устига солиқ пули солинса» дедилар. Бундай гап пасткаш амалдорларга хуш ёқиб, кўнгиллари тўридан жой олди ва ҳар гузар, ҳар маҳалла аҳолиси тақсимотга тушиб, устларига ўша пайтда келишилган пул солиғи солинди. Бу ёқимсиз оҳангли нағма товуши қай бир доно ва нодон гарангнинг хуш қулоғига етишгач, парчабоф (газлама тўқувчи) Муҳаммад Юсуфбой каби айрим бўйсунмаслар Парчабоф маҳалласидан ва яна бир қанчалар Саъвон(Сағбон) маҳалласидан бош кўтариб, исён ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Жума оқшомиси хуфтон намозидан сўнг одамлар бир-бирининг эшикларини тақиллатганча бир-бирига хабар етказиб, қўлларига ўқу камон тушадими, туфангми тушадими, барчасини олиб, кўчаларга чиқдилар. Айни ўша кечаси ушбу қоралама мусаннифи ҳам Тошканддаги Жангоб маҳалласида истоқомат қилмоқда эди. Туннинг ўша қоқ ўртасида кўчаларга ғов ўрнатиб, жангжўйлик ва муҳолифат ишини бошладилар. Шаҳарнинг таниқли кишиларидан бир нечтасини ўша пайтда Қурама(вилояти)нинг Кировчи шаҳри ҳукуматида турган Нормуҳаммад¹⁹¹³ *қўшбеги қипчоқ* ҳузурига юбордилар ва ўзлари урушга мутасаддий бўлиб, фурсат пойлаб субҳи содиқнинг намонамоси машрик томондан чиқиб, зангори осмон қалъасига заррин ипли арқонинини отиши ва сипехрнинг мустаҳкам қалъасини эгаллаб, туннинг ҳабаш кўшини ва оқшомнинг қора лашкарини орадан кўтаришини кутиб турдилар. Эртасига жумъа тонгининг дастлабки вақтида Азиз *парвоначи ўз Ўрдасидан* катта лашкар ва неча минг таниқли кишилар билан етиб келиб, кўшиннинг ярмини мисгарлар растасида Саъвон маҳалласида жанг солишга буюриб, ўзи Жангоб ва Парчабоф маҳалласидаги тўқнашувга мутасаддий бўлди. Пиёда ва отлиқ ул бечора пирсиз фақирларга бир ҳамла қилиб, орадан кўтарди ва маҳаллага солинган икки-уч ғовни бузиб, Хотун масжид даҳанаси ёқасига етишиб тўхтадилар. Ул жийб жуда қаттиқ ва маҳкам бўлиб, ўткир кўз мерганлар ҳам шу ерга йиғилган эди. Улар Азиз *парвоначининг* одамларини туфангдан ўққа тутиб, орқага қайтардилар. Шу тариқа ҳукумат одамларининг қанчалик югур-югури тўхтовсиз равишда юзага чиқиб, саъй-ҳаракатлар қилишмасин, барибир ғалаба мақсади //200^b ҳосил бўлмади. Чунончи демишлар, **байт:**

Жаҳон шуд чу дарёйи шўрида мавж,

Равон гашта дарёдилони Нўҳ фавж.

Буд аз дуд касрат жаҳоне дигар,

Зи гарди сипаҳ шуд осмоне дигар.

Ғарев аз нўҳум осмон дар гузашт,

Биларзида кўҳ, бижунбид дашт.

Ту гуфти ки сури қиёмат дамид,

Замин пора шуд, осмон бар дарид.

[Жаҳон бўлди денгиздек мавжли,

Кетишди дарёдиллар Нўҳдек фавжли.

Тутундан жаҳон бошқача бўлди,

Кўшин чангдан осмон ўзгача тус олди.

Шовқин ошди тўққизинчи фалакдан,

Қалтиради тоғ, дашт титради.

¹⁹¹³ Нормуҳаммад – қипчоқ қабиласидан. 1845 йилдан Қурама ҳокими. 1848-1852 йиллари қўшбеги унвонида Тошканд ҳокими бўлган. Мусулмонқулининг ашаддий душмани. 1864 йили август ойида ҳалок бўлган.

Гўёки қиёмат сурнайи чалинганди,
Ер ёрилиб тарс, осмон тешилганди.

Азиз *парвоначининг* дам-нафаси фуқаро иши билан банд бўлиб турганда, Ўрдадан дарҳол тўпу тўпхонани олиб келишга ҳукм содир бўлди. Бундай оғир қурооларни келтиргач, аёвсиз суратда халқни тўпу туфанга тутдилар. Турфа бир аломат ва қиёмат ғавғоси айланувчи фалак сари ўрлади. Ниҳоят бир нечта мерганларни тарафлар кўча томларига чиқариб, фуқаролар боши устидан уришга бошладилар. Шундан сўнг фуқароларда қаршлик кўрсатиш тоқати қолмай, ўзларини кўчаларга уриб, қочиб кетдилар. *Парвоначи* бу ғалаба хушхабаридан хурсанд бўлиб, Мисгарлар растасига кетди. У ерда ҳам қаттиқ жанглари рўй берди. Ўша вақтда *баҳодирбошлик* сардорлиги билан сарафрозлик топган Раҳимбек ибн Қазоқбой бий Тошкандийга туфанг ўқи келиб тегиб, уйига элтдилар. **Байт:**

Зи ҳар жониб жавонони диловар,
Ба зери рон дар оварда таковар.
Далероне ки рўзи кина хоҳий,
Яке гуфти жавоби сад сипоҳий.
[Ҳар ёндан қўркмас ёш-яланглар,
Миниб жанг оти – таковарлар.
Қасос олиш куни бу мардлар,
Битгасин чақирсанг, юзтаси жавобли.

Уруш оғирлиги чапу ўнгдан чексиз олатасир ва қийинчилик даражасида рўй бергач, жануб ва шимолдан тарққлик ва бузилиш ўзининг азоб қўлини чўзиб, тинчлик ва омонлик ипи бечора фуқароларнинг қўлидан чиқиб, жаҳоннинг пасту баландидан меҳнат ва бало ўқлари ёғилди. Орқа-ўнгдан ҳам дил андуҳларининг сели кўйилиб, омонлик ҳосили орадан кўч-кўлонини йиғиштиргач ва хотиржамлик анқо уруғи киби Қоф тоғида йўқ бўлгач, пари тўкилган палопонлар ушбу **байт** мазмунича:

Ҳаргаҳ ки аз ҳаводиси гардуни дуннавоз,
Пеш оядат зи неку зи бад мушкиле.
Ё дар паноҳи ҳиммати соҳибдиле гурез,
Ё илтижо намоё ба қиболи муқбиле.
[Пасткашликни қадрловчи жаҳон ҳодисасидан ҳар қачон,
Келса олдингга яхши-ю ёмондан бирор мушқил иш.
Ё бир соҳибдилнинг ҳиммати паноҳи сари югур,
Ё илтижо қил бахтли бир инсоф эгаси олдида сен] - қаерда паноҳ бўлгудек ҳовли,

макон ва ўтирар жой бўлса, ўша ерга қочиб бориб, омонлик топдилар. *Парвоначи* эса бу фатҳу зафардан хурсанд бўлиб, ғурур отига минди. Ўша вақтда Мусулмонқулидан Тошканд салтанатининг қайта янгитдан Азиз *фармончига* берилгани фармони етишиб, Азиз *парвоначи* учун хурсандчилик устига хурсандчилик бўлди. Дарҳол шаҳар бўйлаб шодиёналик маросимини ўтказишни буюриб, бозор ичидаги Фўлодбой масжиди томида карнай ва ноқора чалмоқчи бўлдилар. Аммо фуқаролар ўз холига гирифтор ҳолда моли борми матоҳими, бозор расталари ва дўконлардан ташқари чиқариб, ўз уйларига яширмоқ билан машғулу овора эдилар. На карнайга парво //201^a қилишарди, на сурнай ғавғосига. Шу аснода Бешёғоч маҳалласидан минг нафарга яқин киши қўлига ўқми туфангми чўпми таёқми олиб, Парчабоф маҳалласига ўтдилар. Улар худди телбаларга ўхшаб ёки мастлардек, на баландликни, на пастликни писанд қилишарди. Қизиқ бир югур-югур билан ҳеч ерда тўхтамай, Муҳаммад Юсуфбойнинг ҳовлисига кириб бордилар. Яхши бир тасодиф бўлиб, *парвоначининг* икки нафар хос кишиси бу ерга хафагарчиликни билдириш учун борган бўлиб, иттифоқан бир-бири билан гаплашиб ўтиришарди. Ҳалигилар айни шу пайтда ҳалиги амалдорлар устига етиб келиб, уларни шу заҳоти чўпу таёқ билан савалай кетдилар ва ул икки нафар қалтоқни ушлаб, шундай уриб эздиларки, гўшту суюқлари ер билан яксон бўлди. Бу воқеадан сўнг барча шаҳар ва маҳалла аҳли бирдамлик аҳду паймонини ўртага қўйиб, йўлга тушдилар. Шу аҳвол асносида жумъа намозини ўқиб, хаёллари *парвоначини* кутиш билан банд бўлиб, кўз қирини йўлдан узмай турган маҳалда Азиз *парвоначи* тўрт минг нафар барчаси қуроолланган ва шай ҳолатдаги жаррор одамлари билан Раҳимбек *баҳодирбошини* кўриш учун келди. *Парвоначининг* Раҳимбек уйига кириши заҳоти шаҳар халқи маҳаллами, кўчами ва чорраҳами ёки якка йўлми, барисига мустаҳкам ғов ўрнатишга киришдилар. Бу хабар Азизбек *парвоначи* кулоғига етишгач, дарҳол отга миниб, қаландархонанинг тор йўлаги билан ўзини Ўрда

ичига олди. Бу воқеа пайти Шодмонхўжа¹⁹¹⁴ *парвоначи* Қурамада ўтирган эди, Нормухаммад *қўшбегининг* буйруғи билан келиб, шаҳарнинг ўн икки дарвозасини қулфлаб, фуқаро билан бирга Тошканд Ўрдасини камал қилдилар. Шодмонхўжа *парвоначи* ёнига Нормухаммад *қўшбеги* ҳам ўзининг ғалаба аломатли аскарлари билан етишиб, Бешёғоч дарвозасига келиб тушди. Шу орада икки хафта давомида, балки кўпроқ вақт мобайнида ул қалъа камалига киришиб, икки тарафнинг шовқин-сурони ва милтиқлар овозининг садоси шаҳар аҳолисини қару гаранг қилди. *Парвоначининг* ўзи қалъа айланаси бўйлаб, кечами, кундузми мерганлар ҳолидан хабар олиб, ҳар бирига маошини ва доимий улуфасини етказиб турди. Абадий давлат ва бошчилик қилиш саодати ул кам бахтга насибу рўзи қилмаган экан, ўша одамлари ҳам ўн-ўн беш нафардан бўлиб, ўзини қалъадан ташлаб, қочиб кетардилар. Шу жиҳатдан аҳволи танг бўлиб, икки томоннинг ҳам хайриятини истаб, сулҳ учун элчи чиқариб, амну омон толиби бўлди. **Байт:**

Ҳавои жаҳонро сафое надидам,
 Жаҳони вафоро ҳавое надидам.
 Ба поён расида шаби умри қир,
 Зи шамъи амоний зиёе надидам.
 [Жаҳон ҳавосида бир сафо кўрмадим,
 Вафо жаҳонида бир ҳаво кўрмадим.
 Қора умр туни охирлаб қолди-ю,
 Омонлик шамидан бир зиё кўрмадим].

//201^б Алқисса тарафлар ўртасидаги ярашув битими қуйидаги мазмунда қарор топди: «Азиз *парвоначи* бола-чақаси ва оиласига тааллуқли мол-мулкни олиб, Хўқанд тарафга чиқиб кетади. Унга ҳеч бир ёмонлигимиз ва тегишимиз йўқ. Агар бу ишни қабул қилишга кўнмасадан бошқа бирон нима қилмоқчи бўлса, ўзидан кўрсин». *Парвоначи* шу ишни қилишдан ўзга чора излаб топа олмади. Ноилож минг бир ҳасрат, юз минг ғам малоли ва андуҳи билан шаҳардан чиқиб, ваъдага биноан кетишга қарор берди ва кўч-кўлонини кўтарганча Хўқандга етиб олди. Унинг бу ёмон ишидан давлат устунлари барчасининг кўнгиллари эзилиб ўтирган эди. Бинобарин Ўтаббой *қўшбеги* воситасида гуноҳини кечириб, кўчи билан бирга Марғилонга олиб бордилар ва Азизбек бир неча вақт ўша ерда истиқомат қилди. Аммо тек ўтирмасдан, ҳар кун бир янги хат ёзиб, янгидан-янги битмас-туганмас ҳийла ва найрангли сўзларини *қипчоқ* аймағининг уруғлари орасига юборар, бугуннинг ойнасида эртанинг чехрасини мулоҳаза қилмай, шайтондек ножинс ҳасадгўй иблис каби ҳийла йўли ва шайтон васвасаси билан ҳасабий ва насабий қобилият йўқлиги воситасида алдовга тадбир номини қўйиб «инсонлар синасида васваса соладиган, яшириниб оладиган васвасачининг ёмонлигидан (паноҳ беришни сўраб илтижо қилурман)»¹⁹¹⁵ мазмунича дўст йўл-йўриғига боқмас, душман асосли шайтон кишилар сўзидан чиқмас, кеча-ю кундузда чақимчилик ишини тарк этмас эди. Унинг бу чақимчилиги ва афсун солувчи маккорлигидан безор бўлган кишилар бир кечаси Хўқанди латифнинг катта гўристонига олиб бориб қатлга еткардилар ва шу йўл билан барчани Азиз *парвоначининг* ёмонлигидан қутқаодилар.

Нодирмухаммад *қўшбеги* эса истиқлол билан Тошканд ҳукуматида қарор топди.

Мусулмонқулининг иккинчи марта вазирлик ҳукумати ўриндиғига ўтиргани зикри

Ҳазрат Худои таоло ўзининг азалий иродаси ва лам язалий ҳикмати билан кимни беминнат мақбуллик даражасига етказмоқни истаса, етказур. Агар кимни оғир синов ва машаққатлар имтиҳонидан ўтказгачгина марҳаматига сазовор этса, ўшандай қилур. Бу ҳикматнинг не учун эканини инсон боласи ақл ёки тажриба йўли билан била олмас. Шу сабабли биров бир кун хор-зор бўлса, айём ўзгариши билан бир кун етиб, барчадан кўп устунликка эга бўлади.

Бу каби ишлардан айримлари шуким, баъзи номақбул иш қилган кишилар, вақти келган чоғи салтанатни бошқариш, миллатни дин йўлида маҳкам ушлаш бобида беназир ишлар қилишади. //202^а Уларнинг тадбиридан эл-юрт фаровон, обод ва халқ фароғатда турмуш кечиради. **Байт:**

Марди хирадманди ҳунарпешаро,
 Умр ду боист дар ин рўзгор.
 То ба яке тажриба омўхти,

¹⁹¹⁴ Шодмонхўжа парвоначи, мингбоши – (1798-1863). Қўқон давлатининг ҳарбий ва сиёсий арбоби. Маҳрамбоши (1844), додхоҳ (1848), Тошкент (1853) ва Хўжанд (1856-57) ҳокими, мингбоши (1857-1858), Балиқчи ҳокими (1858-1860). 1862-1863 йилларида Худоёрхон мингбошиси. Тошкент (1863) ҳокими. Алиқули фармони билан ўлдирилган.

¹⁹¹⁵ Қуръони карим, 114:4-5.

Бо дигаре тажриба бурди ба кор.
[Ақлли ва хунарманд кишига,
Бу оламда иккита умр керакдир.
Бирида у тажриба йиғар,
Иккинчи умрида ундан фойдаланар].

Бу сўзнинг тафсили шуки, Мусулмонқул вазирлик ўриндигига ўтиргач, яна оламини тоза қилиб, ҳар бир ошно ва бегонанинг дилини қимматли инъомлар ва шоҳона ваъдаларга тўлдириб, қўшиннинг каму кўстини битказди, бузуғини тўғирлаб юрган чоғда тўсатдан Бухоро подшосининг «ана келди, мана келди» деган хабари етиша киришди. Мусулмонқули ҳам қўшин асбоби саранжомига киришиб, узоқ-яқиндагиларни бир ерга йиғиб, душманга қарши тайёр ва ўз жойида барқарор турди. Шу аснода Бухоро подшоҳи келиб, Хўжанд қалъаси қамалига киришган кўйи ён-атрофга ҳам босқин-чопқин уюштирди. Қамалдагилар устига эса тўп ўқларини ёғдириб, бу каби жанг ҳаракатларини ҳаддан оширди. Фарғона лашкари ўз манзили ва қарор топган жойларидан чиқиб, бул ҳудуд ва кишварнинг *амир лашкари* бўлмиш Мусулмонқулининг журъат қадами билан толели бир соатда кўп масофаларни босиб ўтиб, Маҳрам қалъасига етишиб, шу ерда қўш ташлади. Ва ҳар куни яна янгидан-янги қўшин билан Шумқўрғон ва Қароқчиқум манзилгоҳигача бориб ва қанча сипоҳгарчилик ўйини ва хийлаву найранг илми бўлса, хусусан, қалбаки хат-руқъа билан разил одамлардан бир нечасини юбориб, уларни Бухоро лашкари жойлашган пастқам ва тўғри кўчаларга сочдирди ва ул камбахт амирнинг дилини ваҳимга тўлдирди, балки ғам гирдобига солди. Булар қайтиб келгач, Мусулмонқулнинг ўзи шунинг кети билан Хўжанд ва Ўратепа устига етиб келиб, ён-атрофини босқин-чопқинга учратиб, анча ип газлама ва ипак-кимхоб молларни қўлга киритиб қайтди ва сиҳат-саломат аркони давлат билан бирга Хўқанди латифга кириб келди. Шу муддат ичида бир неча кун фароғат ва осойиш билан яшадилар. Шу аҳвол асносида Ўратепа ҳокими Исобек *додхоҳ* Нов ва Хўжанд атрофига айрим енгил югуриш амалларини уюштириб, Фарғонанинг шижоат ўрмонидаги шерлари дилининг қитиқ парига тегди. Хон лашкарнинг тайёр қисми билан ул ақлсиз кеккайганлар устига равона бўлиб, бир ой, //202^б балки кўпроқ вақт қалъани муҳосира қилди ва унинг атрофидаги айрим ерларни ёндириб, хушхиром тавсан отлари жоловини яна шаҳар сари буриб, тез кунлар ичида қайтиб келганча иззат ва қудрат тахтига тушди. Бу юришдан сўнг бир неча вақт ўтгач яна ҳиммат иродасини ул манзил сари қаратиб, ул кишварга етдилар ва қамалга машғул бўлиб, унинг қишлоқ ва далаларини талон-торож қилиб, неча турли жанг хунарини кўрсатдилар. Ул ҳудуд ва ўлканинг барча халқи ироқлик¹⁹¹⁶ ва румлик¹⁹¹⁷ шер хислатлар қўлидан танг аҳволга тушиб, сулҳга мойиллик билдирдилар. **Байт:**

Коре ки ба сулҳ бар ояд,
Девонаги-ю бурд набояд.
[Сулҳ билан битса агар иш,
Ўжарлик беҳуда ташвиш].

Икки орада тарафлар борди-келдиси амалга ошгандан сўнг ярашув иши Исобекнинг чиқиб кетиши борасида қарор топиб, уни Худоёрхон валинаъми хизматида чиқариб, қўл ўпишлик шарафига етказдилар. Юксак мартабали хон бир неча марҳаматли сийловлар қилиб, шоҳона хилъатлар бахшида этди ва Исобекнинг дилини ваҳима зангидан оби ҳаёт фикрининг висоли қувончи билан тозалади ва Шер *додхоҳ* номли ўзининг сарҳангларида бирини ул сарманзилга ҳоким қилиб, тўла обрў билан ва кўп иззат билан қайтди ва бир қанча манзилларни босиб ўтиб, салтанат қароргоҳига келиб тушди, сўнг давлат суянчиғи ҳассасини тутганча қарор ва ором олди. Бу ҳолатлар рўй бериб ўтгач, анча вақтини фароғатлик воситаси билан ўтказиб, доим шикор ҳавоси ва кеча-ю кундуз ўйин-кулгуга машғуллик қилди. Толе Хумоси парвозининг авжини ўз тақдирида деб билди. Анча муддатдан сўнг Шер *додхоҳ*нинг ўз мансабидан ҳафсаласи пирлигидан огоҳ бўлиб, унинг ўрнига Турдибой *додхоҳ*ни ҳукумат мансаби билан сарафроз қилиб юборди. Турдибой ҳам ҳукумат ишига киришиб, давлат суянчиғига ястанди. Аммо Бухоро подшоҳининг ғалабалари ва ҳамла хавфи зиёда бўлавергач, хон бу ваҳима ишлардан ташвишга, яна қирқ-юз амирларини булардан яхшироқ билиб, Исобек *парвоначини* ул вилоят ҳукумати билан сарафроз қилди ва Турдибойни амирликдан туширдилар. Исобек амирлик курсиси //203^а ва ҳукумат ўриндигида қарор ва ором олгач, табиатида хом хаёллик савдоси ва ўтмиш афсоналари билан малоллик солиб, юзини зиё бағишловчи машриқ порлашидан юзини ўгириб, мағрибнинг қоронғи туни тубанлиги сари тутди. Юзларнинг жаббор пешалари ва ўғрилариининг замони юксалиб, зулм қўлини тазаллум остидан ташқари чиқариб, беадаблик босқин-

¹⁹¹⁶ Эронлик ёлланма шия аскарлар. Улар кўпинча Марвда яшаган туркий, форс уруғларидан бўлишган.

¹⁹¹⁷ Туркиялик ёлланма аскарлар. Улар кўпинча замонавий ўт очар қуролларни отишда мохир бўлишган.

чопқинини ҳар бир қишлоқ ва дала сари уюштириб, атрофдаги одамларни бесаранжому безовта қилишга тушдилар. Ул мурувватсизларни тартибга чақириш ва жазолаш учун Мукулмонқули билан бирга Худоёрхон валинаъми бутун ҳудуд атрофидан чексиз қўшин тўплаб, Ўратепа устига йўналдилар ва бир неча масофани босиб, қанча манзилдан ўтиб, мақсад-манзилга етгач, қалъа камалига тайёрландилар. Бир-икки кун осойишталигидан сўнг ул диёр ён-теварагига ғайратли ёшлар ҳиммат юзасидан унинг қишлоқ ва кентини ғалла борми, ўт-алафми, барини талон-торож қилдилар. Дала ва қишлоқнинг бечора аҳолисини еб-ичмак, кийим-кечакдан айириб, ҳеч вақосиз йўқсилга айлангандилар. Ва шу ҳарбий хийладан сўнггина бир неча вақт шиддатли босқин билан қалъани тор-мор этишга киришдилар. Аммо асл мақсадлари қалъани олиш бўлмагач, қалъа аҳлини танг аҳволга солиб, орқага қайтдилар ва бахт-толели бир соатда йўлларни босиб, яна пойтахтга келиб кирдилар ва иқболу бахт манзилида қарор топдилар. Шу асно давомида бир неча кун осойиш топиб ва фароғатдан қўл билагини кучли қилиб, яна янгидан юриш ниятида чексиз қўшин йиғиб, Ўратепа сари журъат қадамини илгари босдилар. Анча йўл юргач, ул соҳилга етиб келдилар ва ўша вақтда Фарғона лашкарининг келишидан беҳабар Исобек *парвоначи* икки юз-уч юз жасур эранлар билан Чин баҳодирни Қурамага босқин-чопқин учун жўнатган эди. Йўл ўтрисида Кўркат дашти тепасида бу икки қўшин шундай тарзда бир-бирига дуч келиб қолишдики, бу кенг ва бепоён даштда қочиб бекиниш ёки бошларини тикиб яшириш учун сичқоннинг тешиги ҳам топилмади. Ғалаба асарли лашкар аҳли ўз оёғи билан келган ҳалол овни илоҳий фазлнинг ғанимат ўлжасидан билиб, //203^б уларнинг атрофини сифр¹⁹¹⁸ паргола¹⁹¹⁹си ўртасидаги нуқта, денгиз ичидаги Искандар тўғони сингари ўраб олдилар. Ва ул қавмдан биронтасини қутулиб, ўз подшосига бирон-бир хабар етказишига қўймадилар. Ҳасрат доғи ул нопоклар дилида қолиб, барчаси асири банди занжир бўлдилар. Бу ғалаба ва зафар Исобекнинг енгилишига очилган яхши бир фол бўлиб, Ўратепанинг атроф ва теварагини босқин-чопқинга учратиб, мол-мулкларни оғирини енгиллатиб қайтдилар. Шу қайтиш билан тўла обрў қозонган ҳолда тўғри ўз мамлакати пойтахтига келиб тушдилар. Исобек қараса, салтанати обрўси фазосининг равнақи кундан-кунга таназзул сари юз тутмоқда. Қай бир маслаҳати пишиқ ишга қўл урмасин, иши борган сари қуйи иниб, ҳеч яхшиликка олиб келмаётир. Ўзининг хом иши борасида кўп ўйлаб, анча вақт афсус-надомат қаърига шўнғиди. Аммо боғланган тугун ҳеч бир ердан ечилмади. Ҳатто Бухоро подшоҳидан қилган ёрдам умиди ҳам қўлга кирмай, чиппака чиқди. **Мисраъ:** Чаро коре кунад оқил ки боз орад пушаймоний (Нега ақли одам пушаймонлик келтирувчи ишни қилар экан.) Ноилож ўзининг учқур отининг жиловини онаси қўлига тутқазиб, минг бир тавба ва тазарру билан шу орқали жаноб Худоёрхон валинаъми ва Мукулмонқулининг ҳузурига жўнатди. Онаси бахт-толели бир соатда Хўқанди латифга киргач ва шариф остон бўсағасини ўпишга мушарраф бўлгач, подшоҳона тортиқлар билан арзадошт учун Дорога менгзир амири кабир ҳузурига кириб, қандай айблар ўтган бўлса айтиб ва ёзилган арзадошт мазмунини қўлдан келганча минг бир ожизлик ва синиқлик билан баён изҳори билан арзга етказди. Хон жаноблари ва давлат устунлари хушҳолу хурсанд бўлиб, Исобекнинг гуноҳларидан ўтиб, қасосдан минг бор яхши бўлмиш афв лаззатини кўп тортиқ-бахшиш ва шу мазмунни билдирувчи иноятнома орқали эълон қилиб, онаизорни орқасига қайтардилар. Бекнинг волидаси хушвақтлик ва хурсандлик билан ўз манзил-маконига етгач, яхши бир соатлар ва наҳслардан холи бир пайтда жонга пайванд аржуманд фарзандини кўрди ва не бўлиб-ўтган воқеа бўлса, баён қилиб, Амири кабирнинг қувонч аломатли иноятномасини чиқариб кўрсатди. Онаси дийдори ила етишган қувонч устига яна хурсандчилик қўшилиб, дарҳол шодиёна ишига буйруқ бериб, янги хушхабар ва чексиз қувончли муждани эълон қилдилар. //204^а **Байт:**

Зи фикри хотири шоҳу сипоҳ буд нижанд,
 Аз ин башорат фархунда шодмон гаштанд.
 [Шоҳу қўшин фикридан кўнгиллари эди ғам аро,
 Бу қувончли хушхабардан бўлдилар шодмон].

Ҳаловатсиз кўнгиллари тинчиб, беқарор юраклари қарору ором топгач, хотирларига борди-келди, тортиқ ва пешкаш бермоқ ишлари тушиб, ҳар бир ишдан алоҳида ва айри-айри таркибу тартиб бериб, жаноб хоннинг дуои жонини қилиш асносида гапсиз бўйсунуш туйғусини юракларига жойлаб, бир неча нафар билан ўз хосларини Хўқанди латифга жўнатиб, оз муддатдан сўнг ўзи ҳам сарой бўсағасини ўпишлик шарафига етишди ва нима совға ва тортиқ келтирган бўлса, хон назаридан ўтқариб, жаноби комиёб валинаъми суҳбатига мушарраф бўлди. Жаноб хон ҳам ул пок ва тоза

¹⁹¹⁸ Сифр – ноль (0) рақами кўринишига ишора.

¹⁹¹⁹ Паргола – айлана.

сийратли мирга чексиз лутфлар кўрсатиб, мулукона либослар ва шоҳона инъомлар бахшида қилган кўйи бошини ҳаммадан баланд кўтарди. Шу ҳолатлар асносида ва бу гап-сўзлар давомида Исобекнинг қариндош ва амакиваччаларидан бири бўлмиш Али Шукурбекни буларнинг барчасидан сарафроз қилиб, Ўратепа ҳукумати унга бердилар. Али Шукурбек иқбол кучи ва аззу жалол бахту фарри билан валинаъми хондан ва аркони давлатдан фотиҳа олиб, толели бир соатда бориб, Ўратепага кирди. Шаҳарнинг уламо-ю умаро ва фуқароси табриклаш учун келиб, қутлов сўзларини айтган кўйи давлатхоҳлик изҳори билан мулкни бошқариш борасидаги фикрларини арзга етказганча қайтиб кетдилар.

Али Шукурбек мустақил равишдаги мулк ва давлатга эга бўлгач, ҳар кун қалъанинг қулаган ва бузилган ерларини тиклаш сари ғайрат камарини белига боғлаб, шаҳарни мустаҳкамлаш ишларига киришди. Бундан эса унинг асл мақсади аён бўлиб, кўнгли сари бевафоликнинг шум йўлини очган эди.

Шу орада *қипчоқлар* орасига қалин оғзи олачилик оралаб, бунинг натижасида Мусулмонқулини вазирликдан тушириб, унинг ўрнига Муҳаммадёр *додхоҳ қипчоқни* ўтказдилар.

Муҳаммадёр додхоҳнинг вазирлик мансабига ўтиргани ва унинг ҳукумати даврида содир бўлган воқеалар зикри

Сўз маъноларини жилва мақомли юриши билан ёйғувчи ва ҳикматларга оро бергувчи бадий юзли қалам ҳикоят баҳористонидан баён тили билан *қипчоқлар* замонидаги воқеаларни гул сочувчи оқ варақ саҳифасига шундай мазмунда таҳрир ва тақрир қиладиким, жаҳонбонлик пойдевори ва мамлакат олувчилик асоси мазкур халқ ва улус оғзи бирлигидан ҳамда Худоёрхоннинг марҳамати туфайли ҳукумат вазирлигини Муҳаммадёр *додхоҳга* бериб, Чуст вилояти ва унинг музофоти Мусулмонқулга топширилган вақтда бу кўрқинчли воқеанинг баёнини мулло Али Қундузий Мусулмонқулининг иккинчи марта вазирликдан туширилиб, Фарғона мулкидан четлаштирилгани ушбу таърих орқали таҳрир қилган эди. **Таърих:**

Мусулмонқул зи ифроти сиёсат,
//204^б Ба вазъи мардуми айёми носоз,
Ки шуд аз мансабаш ду бора афтод,
Ба таърихаш ки кардам матлаб ба роз.
Кашида хотифам Комий алам гуфт,
«Мусулмонқул фитод аз мансабаш боз».
[Мусулмонқул сиёсати ҳаддан ортганидан,
Нобоп айём кишилари сўзи воситасида,
Иккинчи марта мансабидан тушди.
Таърихини сирлашай десам, Комий,
Туғ кўтариб ғайбий овоз деди:
«Мусулмонқул яна мансабидан тушди»].

Яширин қолмасинким, охириги мисраъ таърих моддаси бўлиб, етмиш бир сонига тенг «алам» сўзи исқотига ишора қилинган. Демак бундан бир минг икки юз олтмиш беш (1265/1848-49) ҳосил бўлади.

Алқисса бу ҳолат юзага чиқиши ва бу ҳодисалар содир бўлиши ҳақидаги гап-сўзлар ҳар бир дўсту бегона қулоғига етишгач, хусусан, пистирма бурчагида кўзи тўрт, қулоғи динг бўлиб худди шундай вазиятни кутиб ётган Али Шукурбекка *қипчоқлар* бирдамлигига путур етгани ҳақидаги бу янглиғ хушxabар етишгач, номуборак юрагига Фарғона давлатидан юз ўгириш нияти йўл топган бул кеккайган мағрурга бир баҳона топилиб, Хўқанди латифга тобеъликдан бўйин товлади ва ўзини мустақил ҳукумат сифатида эълон қилди. Ул бадкирдорнинг икки юзламачилиги хабари шерга ўхшаш жаноб хонга етишгач, бирданига ғайрат ҳиммати кўпириб, баҳодирлик синаси оташхонасидан шўъла чиқиб, дарҳол мамлакат ён-атрофи ва шаҳар музофотидан лашкар йиғиш учун ишончли одамларини юборишга киришди. Чунончи хўжа Ҳофиз буюрмишлар. **Байт:**

Сирри Худо ки орифи содиқ ба кас нагуфт,
Дар ҳайратам ки бода фуруш аз кужо шунид.
[Содиқ ориф ҳеч кимга айтмаган Худо сирини,
Ҳайронман, май сотувчи қаердан эшитган экан.

Оз кун ичида чумоли-ю чигиртадан ҳам кўп миқдордаги чексиз лашкар бар музофот ва сарҳаддан келиб, бутун бошли бир биёбон таковарлар туёғига тор келиб қолди. Амири валинаъми лашкар йиғилгач, аркони давлат билан бахт-толели бир соатда ул диёрга юзланиб, сафарга равона

бўлдилар. Неча бир манзил ва бекатларни босиб ўтиб, Ўратепа қалъасига етишганлари ҳамано хон хазрат қўшиндаги шер хислатли мардларга баракатли фотиҳа бергач, улар бирданига қалъанинг ён-атрофидан оёқ зўрлиги билан журъат қадамини илгари босиб, ҳамла сари киришдилар. Замину замон, макину макон ва биёбон саҳни мардлар билагги кучидан ларзага кириб, ёшларнинг селдек кўпорувчи зарбаларидан дарахт борми, деворми, бари таг-тугидан кўпорилиб балки, қалъа ёнидаги майдонда қад кўтарган тепаликлар теп-текис бўлди. Улардан кўтарилган чанг пасайгач эса қалъа ичидаги катта текис йўл ҳам кўзга кўринадиган бўлиб қолди. Ер кавловчи ва девор тешувчи, сафни ёрувчи мардлар ўзларини қалъа деворидан шаҳар ичига олдилар. Али Шукрбек шу маҳалда ўзининг минг нафарга яқин хос шижоатлилари билан келиб, бир ҳамла билан жангга кирди ва унинг бу зарбасидан зафар пайкар лашкар орқага чекинди. //205^a Аниқроғи, Шукрбек уларни тешик ва дарвозалар орқали қалъадан ташқари суриб чиқариб, ҳатто бир юз эликка яқин баҳодирни қўлга туширди ва асиру банди қилиб зиндонга ташлади. Шу вақтда яна нусрат қоидали лашкар Парвин юлдузи каби бир ерга тўпланиб, ул қавмга яна ҳамла уюштирдилар ва бу галги зарбаларидан душманнинг бир неча юз кишиси оёқ тепкилариданоқ остин-устуни чиқиб, уларни қалъа арки ичигача киритиб юборишга муваффақ бўлдилар. Қочганлар Муғ қалъасини ўзларига манзилу макон қилиб, тоғ тепалигча бу қалъани метиндек истехкомга айлантирдилар. **Байт:**

Рубаҳ равад ба бешаи шери далер,
Чандон аст ки нашунида бувад сайҳаи шер.
Бар ҳилми худо такаия макун,
Зи онки худо бас сахт бигирадат агар гирад дер.
[Анчадан бери шер гулдирашини эшитмаган
Тулки ботир шер ётган ўрмонга бемалол бораверади.
Худонинг юмшоқлигига орқа қилма сен,
Ҳозир индамаган билан Худо кейин бир тутса,
Жуда ҳам қаттиқ ушлайди сени].

Эртаси куни олтин юзли офтоб баҳодирлар ғалабаси учун Қисқичбақа дарчасидан Яздон амри билан бош кўтариб, олам равшан ва намоён бўлган тонг чоғи лашкар аҳли ҳимматни ўшал тоғ баландлиги сингари тўғирлаб, унинг устига чиқдилар ва туғу байроқни Муғ қалъаси кунгурасига тикиб, журъат қадамини олдинга қўйган кўйи ғайрат билан ул тоғ-қалъага бир ҳамла қилиб, оёқ етмас бул тоққа қўлларини етказдилар ва муру малаҳ каби тирмашиб чиқдилар. Сўнг эса қалъа тепасидан ўқми, милтиқми, чўпми, тошми, барисини ичкарида ким кўринса, шу одам устига қарата отдилар. Улар ҳам ор-номус юзасидан курашдан қўл тортмадилар. Хуллас, ғалаба аломатли шижоатлилар душмандан ҳайиқмай ва унча-мунча нарсага парво қилмай, ўзларини қалъа ичига ҳам отиб, қўлга тушганларнинг барчасини қуршовга олдилар. **Байт:**

Чу субҳ ханжари хуршед сар кашад зи ғуроб,
Нужумро набувад бешак аз гурез гузир.
[Тонгда қуёш ханжари чуқур тубидан чиқаргач бош,
Юлдузларнинг қочишдан ўзга чораси қолмайди.

Ғалабага ёр аскарлар душманни яраланган демай, беҳол демай, ҳаммасини асир олдилар. Сўнг қўлларини талон-тарож сари чўзиб, ҳаддан зиёд курул ва сон-саноксиз яроқни ўз тасарруфига киритиб, бандиларни ўз олдларига солган кўйи Муғ қалъасидан пастга тушдилар. Йўл асносида Муғ қалъаси томон ўтаётган Исобекнинг қораси кўриниб қолди. Шунда қўлга тушган тўққиз юз нафар асир орасидан Али Шукрбек қичқирганча Исобекка қаттиқ илтижо қилиб, ялворишга тушди ва омонлик тилаб, паноҳ бўлишини сўради. Бу каби аянчли ўтинч нидоси Исобек қулоғига етишгач, дарров асирлар томонга қараб, кўзи Али Шукрбекка тушди. Дарҳол қўлини қиличи сари чўзиб, ул кулфат заданинг оғир бошини танасидан енгиллатиб, сўнг ҳеч нарса бўлмагандек Муғ қалъаси томон ўтиб кетди. Қолган асирларни эса дарвозадан чиқариб, Маховзордаги бир тепалик устида ўтқазиб қўйдилар.

Жаноб мавлоно Али қори Қундузий Муҳаммадёр *мингбоши қипчоқ* таъсири остидаги Фарғона мулкининг амири Худоёрхон валинаъми Ўратепа мулкини фатҳ этгани санасини *туркий* тилда шундай рақам қилган эди. **Таърих:**

Қилди Фарғона хусравиға худо,
Ёри нусратким, ўтти жавшандин.
Найзаси токи Истравшан ҳам,
Бўлди мафтуҳ ақли пурфандин,
Менки таърихин айладим Комий,

Масъалат ул деди эшит мандин.
//205^б «Фатҳ даврига шоҳ юз қўйғоч,
Қирку юз чиқти Истравшандин».

Махфий қолмасинким «Истравшан» сўзи таърих моддаси бўлиб, ундаги «шин» ҳарфига ишора қилинган ва «рўйи шоҳ (шоҳ юзи)» сўзларидаги «фо» ва «ҳо» ҳарфи ҳам кўзда тутилиб, «фатҳ»га ишора ҳам шунга киради. Булардан эса «бир юз қирқ» сони олиб ташланса, бир минг икки юз олтмиш беш (1265/1848-49) сони ҳосил бўлади.

Бу воқеалар асносида ва шу гап-сўзлар орасида лашкар аҳволини текшириб, ҳолидан хабар олиш амаллари бажарилди. Шунингдек, ҳар бир гуруҳнинг даста ва байроғ¹⁹²⁰идан қанча одам ўлган, қанчаси душманга асир тушгани ҳам таҳқиқ қилинди. Жумладан, *мингбошининг* қариндошларидан Иброҳим жинни номли киши ул жангда йўқолиб қолган экан. Буни билган қариндош-туққанлари доду фарёд қилишга тушдилар. Шаҳарнинг паст кўча ва рост кўчасини шунчалик остин-устун қилиб роса излашсалар ҳам ундан ҳеч бир аломат маълум бўлмади. Зиндон ичидаги асир тушган лашкардан икки юз киши бир-бирининг устига қалашганча ётар эдилар. Ғалабадан сўнг уларни зиндондан битта-битталаб тортиб чиқаришди. Қарасалар, зиндондаги иссиқ ҳарорат ва ҳавосизликдан ҳосил бўлган нафас димиқишидан уларнинг бариси ўлиб қолишган экан. Аммо ҳалиги одамдан булар ичидан ҳам бир аломат ва асар кўринмади. *Мингбоши* қаҳру ғазаб юзасидан тепаликка ўтқизиб қўйилган жамоа устига келиб, Ўратепанинг тўққиз юзга яқин сипоҳсолорини қўйдек бир ерда бошини кесиб, каллалардан минора қурдилар. Бу калла миноранинг қолдиғи анча йилларгача сақланиб турди. Чунончи мавлоно Али қори Қундузий Оллоҳшукурбекнинг ўлдирилиши ва ул диёрнинг қатлга етганлари бошидан калла минора ясаганларини таърих ипига киритган эди. **Таърих:**

Баду неки ту мукофот ки дорад дар пай,
Аз баду нек биандеш наёби озор.
Ба валинеъматаш Оллоҳшукури кўрнамак,
Шуда ёғий камари кин ба миён он бадкор,
Ончунон баст ки аз рўйи ғазаб шаҳ ба сараш,
Лашкаре бурда ба чи ҳамла кашидаш зи ҳисор.
Бо шамшери сиёсат зи танаш карда жудо,
Сари он муфсиди бадкор кашиданд ба дор.
Баҳри ибрат зи сари қавми қатилон имрўз,
Ёфт таъмир ба фармоиши шаҳ калла минор.
Сари андеша ки дар жайби тафаккур Комий,
Доштам дар пайи таърих ба гўши мани зор.
Ҳотифе гуфт ки чун «ҳалқ» буридан гирифт,
«Сари Оллоҳшукури кўрнамак чўбаи дор».
Лек устои хирад гуфт ки //206^а бар рўйи замин,
Шоҳ имрўз бино кард ажаб калла минор.
[Яхши-ёмоннинг кетида унг ажр-мукофоти ҳам бор,
Ёмон-яхшини ўйлаб иш қил, шунда озор топмайсан.
Ўз валинеъматига Оллоҳшукур деган туз тутгир,
Ёғий бўлиб ул ёмон қилиқ белига адоват камарини,
Шундай боғладики, дарғазаб бўлган шоҳ устига,
Қўшин тортиб, ҳисордан қаттиқ бир ҳамла уюштирди.
Сиёсат қиличи билан танидан жудо қилиб,
Дорга осдилар бошини у бузуқи бадкорнинг.
Ибрат учун қатиллар қавми бошидан бугун,
Шоҳ фармони билан каллар минор қурилди.
Комий ўй бошини тафаккур ёқасига тикиб,
Таърихини истагандим, мен зорнинг қулоғига,
Ҳотиф деди: Бўғзидан кесиб ул кўрнамак,
Оллоҳшукур бошини дор тагига ташлашди.
Лек ақл пири деди: Ер юзида шоҳ бугун,
Ажаб бир калла минор қуриб битказди].

Яширин қолмасинким, бу қитъадан сана сони бўлмиш бир минг икки юз олтмиш беш(1848-49)ни чиқариш икки хил суратда амалга ошади. Биринчи амалнинг изоҳи бу тариқадир: «Сари

¹⁹²⁰ Байроқ – бу ерда даста, отряд маъносида.

Оллошукр кўрнамак» ва «чўбалар» сўзларининг ҳар бири таърих моддаси бўлиб, бу ерда мазкур икки моддага «гирифт» сўзи ва бир юз ўттиз саккиз сонига тенг «ҳалқ» сўзининг исқотига ҳам ишора қилинган.

Ушбу варақлар қораловчиси зафарга ёр лашкар ҳали Хўқанддан энди чиқиб, Ўратепа сари кетган ўша маҳалдан сўнг дўстларимдан бир нечтаси билан дам олиш учун дала сайлига Найман¹⁹²¹ ча мавзеси томон кетаётган эдик. Йўл асносида Ўзбектепа қишлоғи чеккасида ёлғиз аравадини ҳайдаб кетаётган аравакашга дуч келиб, нима олиб келаётганини сўрадик. Аравакаш «Али Шукрбекнинг мурдасини» деди. Ишонмай ўтиб кетдик. Чунки лашкарнинг бунча тезлик билан бориб, шунча осонлик билан ғалабага эришгани ақлга сиғмасди. Хўқандга қайтиб келиб билсак, аравакаш рост гапирган экан. Отаси осилган дорга отасига ўрин бўлган кўйи бунинг боши ҳам бир неча вақт осилиб турди ва сўнг палид жасади итларга ем бўлди.

Асл мақсадга қайтайлик, алқисса Дорога менгзир амир аркони давлат билан калла минора ясаш каби ишлардан озод бўлгач, Ўратепани золим Муҳаммадраҳимбек *оталиқ*нинг ўғилларидан бири бўлмиш Абдуғаффорбекка бериб, тўла ферузлик билан қайтган кўйи манзилма-манзил юриб, бекатларни ортда қолдириб, ўз мамлакатининг доруссалтанаси Хўқандга келиб тушди. Мириқиб ҳордиқ чиқаргач, саркардалар гуруҳига рухсат бериб, ҳаммасини ўз вилоятларига қайтарди ва ҳар бири ўз жойида орому қарор топиб, хурсандлик ва шодлик билан ўзларининг иззат мансабида умр кечирдилар. Шу муддатда шайтанат васвасасига учган Мусулмонқули нафсоний ғараз бандига гирфтор бўлиб, Чуст вилояти ва унинг музофотларидан лашкар йиғиб, Фарғона мамлакати вазирлиги ҳукуматини олиш учун келиб, шаҳар қалъасининг ички тагида жойлашган Маховзор мавзесига келиб тушди. Муҳаммадёр *мингбоши* ҳам ўз кўчаси одамани йиғиб, бу томондан шовқин кўтарди. Шундай можарони кутиб юрган касофат шиорли бузғунчилардан Каримқули *дастурхончи*¹⁹²² ва Қулбобо *рисолачи*¹⁹²³ ва бошқалар бундоқ қарашса, агар бу ҳаракатнинг олди олиниб, ишлар тўғри ўзанга солиб юборилмаса, уруғ аймақнинг ҳар бири ўз тобеси сари бўлиб, бу қадар давлатнинг ганжинаси тизими тарқалиб, ҳар ёнга сочилиб кетиши аниқ. **Байт:**

Давлат ҳама зи иттифоқ хезад,
Бе давлатий аз нифоқ хезад.
[Давлат бариси иттифоқдан бўлур,
Давлатсизлик эса нифоқдан бўлур].

Ноилож, ишни тўғрилиқ билан ўнглаш мақсадида Мусулмонқулига Андижонни бериб, Раҳмонча *додхоҳ*ни Чуст ҳокимлигига тайинлаб, //206^б масалани шу йўсин ҳал қилганча орани очди қилдилар ва келганларни тинчлик билан ортига қайтариб юбордилар. Бу иш билан бари олам эгрилиги тўғрилиқ топди. **Байт:**

Агар донаи ҳийла шуд касе,
Ба дом оварад мурғи зийрак бәсе.
[Агар бирон киши тузоқ донаси бўлса,
Кўплаб зийрак қушларни ҳам тўрига илинтиради.

Бу воқеалар бўлиб ўтгач, вужудга келган тинчлик давридан кўп ўтмай, яна бир ҳодиса бўй кўрсатиб қолди. Бу каломнинг қисқаси ҳар хосу омнинг хуш қулоғига шундай айтиладики, Эшон халифа Хусайн Бухорийнинг ўринбосарларидан бири бўлган Эшон халифа Сафо башоратли ижозат

¹⁹²¹ Найманча этнопоним. Найманча – Фарғона вилояти Данғара туманидаги қишлоқ номи. Найманлар эса – ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, нўғой ва олтой халқлари таркибига кирган қабила уюшмаси. Олимларнинг маълумотларига қараганда ўзбек найманлари Зарафшон водийси (63 та қишлоғида), Фарғона водийси, Хоразм воҳаси, Қорақалпоғистон, Қашқадарё ва Сурхондарёнинг Термиз туманида кўнғиротлар билан бирга яшаб келишган. Кейинчалик дастлаб Афғонистоннинг Балх вилоятига, сўнгра Зарафшон водийсига кўчиб кетишган. Ўзбек найманлари XIX асрнинг охирида 3 та йирик уруққа бўлинган: қўштамғали, садирбеги, увахтамғали. Булардан ташқари, найманларда бир қанча уруғ бўлимлари ҳам мавжуд бўлган: ағран, айрончи, бадир, бия, боғанали, болтали, букалай, бурунсов, жагалбойли, жостовон, жилонли (илонли), жумалоқ бош, олти ота, олти ўғил, оқ тунли, сегиз урув (саккиз уруғ), сари найман, туртул (тўрт ўғил), тўрттамғали, ургуч, украш, чанғали, чўмичли, ғозоёқли, қорагадой, қорасирак, қарғали, қилтамғали, култамғали ва б. Нарпай туманидаги найманлар: пўлатчи, улус, зарман, кичкилдик, оснайман. Аччили найман, каттаки, найман, тўрғоқ найман, уйшун найманларга ҳам бўлинган.

Ўзбек найманлари авлодларини бошқа қавмлар таркибидан ҳам учратиш мумкин. Масалан, ўзбек саройларининг энг йирик тўрт уруғидан бири найман-сарой деб номланган. Шунингдек, қипчоқсаройда чоркуса найман, қўштамғали сарой ва кўнғирот саройда ҳам найманлар тармоғи бор. Ҳаттоки ўзбек кенагаслари ва жузлари таркибида ҳам найманлар шохобчаси учрайди. Бу ҳолат ўзбек қавмларининг этногенези муштараклигидан, ўзаро этногенетик ва этномаданий алоқалардан далолат беради.

Найманлар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Бошқирдистон, Татаристон ва Мўғулистон ҳудудларида ҳам яшаганлар.

¹⁹²² Дастурхончи – хон дастурхони ва ошхонасига мутасаддий амалдор.

¹⁹²³ Рисолачи – хон котиби ва кутубхона ходими.

ишорати билан бир неча йил бурун Хўқандга келиб, замон кишиларига ҳидоят йўлини кўрсатиш билан машғуллик қиларди. Катта-ю кичик, амиру вазирнинг барчаси эргашиш қўлини муборак йўлдан юриш учун ул пирнинг этагидан ушлаган эдилар. Шу зайл ҳидоят кўрсатмали ул вафоли муршид, яхши таълимли ул сафоли шайх ўтирган жой барчанинг мурожаат жойига айланган эди. Вақтнинг қазову тақдири бўлиб, ёз ҳавосининг айни тандирдек қизиган пайти Муҳаммадёр *мингбоши* ўз уйида қимиз ичиб, ёшлик давридаги каби кўча айлангани чиқди. Йўл асносида табиати иродаси билан ул тариқат пирини зиёрат қилиш учун юзланиб, шайхнинг хузурига йўналди. Шайх унинг келганидан хурсанд бўлиб, дарҳол тайёр таомдан *мингбошининг* олдига қўйиб, ўзи панду насиҳат ваъзхонлигига тушиб, тариқати силсиласи доирасидаги сўзларни баён қилиш асносида эса халқ орасидаги машҳур урф-одатга кўра ўртада чой айлантириб, табаррук йўсинида даврадаги одамларга узатиб ўтирди. Мажлис тугагач ҳар ким рухсат олиб, уй-уйига кетдилар. Қазои иттифоқотдан *мингбошининг* табиатида ҳаво ҳарорати зардасини қайнатиб, дилу баданига ёйилди. Худди шабурот касали рўй бергандек бўлди. Буни баъзи жоҳил табиб-ҳакимлар, хусусан, мавлавий Латифхўжа Кухистоний кабилар заҳар асароти англаб, шунга яраша даволаш муолижасини қилганча узатмоққа уриндилар. Шу ҳолат асносида ул Худо йўлида юрган пирга қаҳру ғазаб қилиб, жаҳлу жаҳолат юзасидан бечорани аравага итқитиб ташлаганча қон ичувчи бир нечта жаллод ул тариқат пирининг барча нарчасин мусодара қилдилар ва Ўш шаҳрига олиб бордилар. У ердан эса Ўшнинг шарқига ўтказиб, ҳазрат Имом яқинидаги дала майдони саҳнида бегуноҳ шайхнинг бошини шартта кесиб, шаҳидлик даражасига етказдилар. Ишончли халифалари ва эътиқодли муридлари шайхнинг кетидан борган эдилар. Ҳазрат бузрукворнинг жасадини келтириб, ҳазрат Осаф ибн Бархийё мазорига дафн қилдилар. «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва алббата биз у зотга қайтгувчилармиз»¹⁹²⁴. Ва ҳозир аларнинг табаррук мазори одамларнинг зиёратгоҳидир.

Асл мақсадга қайтайлик. Алқисса Муҳаммадёр анча парваришдан сўнг ўзига келди. Яна ўрдага бориб-келиб юрди. Шу воқеалар асносида //207^a яна *қипчоқларнинг* исён ва туғени худди тандирдек ловиллаб қизиб, Мусулмонқулига хат юбордилар. Мусулмонқули ҳам бу томон ишларидан огоҳлик топиб, ўзини тайёрлаб, кундузи Андижондан сон-саноксиз лашкар билан чиқиб, кечаси ҳам неча бир манзилларни босиб, эртаси кун тонгда ўзини Хўқандга етказиб, Ўрдуга кирди. Бунга қарангки, ўша вақтда Муҳаммадёр *мингбоши* ўз уйига кетиб, эндигина тинч ўтириб, ўз болачақаси билан сўзлашиб нафас ростламоқда эди. Давлатхоҳ хабарчилар хайрхоҳлик юзасидан бири-бири кетидан келиб, ҳозиргина Мусулмонқулининг Андижон лашкари билан Ўрдага кириб, барчани босгани хабарини етказдилар. Давлат устунлари ва салтанат аъёнлари ҳам табриклашга бориб, ошнолик иродати қўлини унга бериб, *мингбошилик* давлати билан сарафроз қилганини баён қилдилар.

Байт:

Забонҳо ки яке гардад ба тазвир,
Кунад афсунашон бар санг таъсир.
Бадин сурат қалам наққош баста,
Ки нақшаш дар дили эшон нишаста.
[Тиллар тузукқа туширишда бир бўлса,
Афсунлари тошга ҳам таъсир қилади.
Шу суратда наққош қалами чизган,
Нақши улар дилида шундай ўрнашган.

Муҳаммадёр *мингбоши* бу воқеадан огоҳ бўлгач, қалбида ғайрат оташи шўъла уриб, ёнидагилар билан дарҳол отга миниб, йўлга тушди. Мақсади бориб, Мусулмонқул билан урушиш эди. Давлат ишларининг ўнгланишини истаганлар ҳолига қўймай, Пули хиштин кўпригининг шарқий юзасидаги Мирзо Қаландар *қозининг* уйига туширдилар. Лашкар аҳли у ернинг ён-атрофини кўчаву бозори билан бирга эгаллаб, ўз назорати остига олдилар. Муҳаммадёр *мингбоши* Ёрмозорга мулло Холбек ва Чустга Раҳмонча *додхоҳ* олдига одам юбориб, ўзига қарашли қавмни лашкари билан ўз олдига чақирди. Улар ҳам ўз лашкари билан етиб келиб, буларга қўшилдилар. Шу тариқа икки ҳафта мобайнида ҳар кун бир-бирига жаҳлини сочиб ва ёмон қилиқлар ошкор этиб, ғойибона тарзда бири-бирига бақир-чақир қилдилар ва сафларни тўғирлаган бўлдилар. Катталари ишни яхшилиқ ўзанига солиб юборишга уриниб, уларни ҳовуридан тушириб туришди. //207^b Ана шу гап-сўзлар билан икки орада даҳанаки жанглар амалга ошиб, аммо Мусулмонқулининг равнақи кундан-кунга зиёда бўлиб борди. Шу аҳвол асносида Марғилонни Ўтаббой *қўшбегига* берди ва Чуст вилояти ҳокимлиги билан яна бировнинг бошини сийлади. Мулло Холбек ва Раҳмонча билан келган одамлар янги ҳокимлар

¹⁹²⁴ Қуръони карим, 3:156.

билан кетиб, сардорлар энди ўзларининг озгина қариндош-уруғлари билан қолдилар. Ноилож Муҳаммадёр сулҳ сўзини қабул қилиб, у ва Мулло Холбек, Раҳмонча *додхоҳ*, Жумабой Дуоб орасига кетдилар. Хўқанди латиф мамлакатининг мустақил ҳолдаги вазирлик мансаби эса тўлалигича Мусулмонқулининг қўлига ўтди.

Мусулмонқулининг учинчи марта Амири валинаъми давлатининг вазирлик мансабига эришгани зикри

Баён тариқи йўлидан юривчи қалам сайёҳлари ва изҳор китоби йўлининг соликлари, ривоят майдонининг чавандозлари ва фасоҳат ўлкасининг суворийлари суҳанпардозлик манзиллари ва хикоят ёйиш бекатлар орқали қисса кўч-кўлонини мақсад-манзилга шундай етказадиларки, аҳвол қондаси анжомидан сўнг кўнгил сўраш, марҳамат кўрсатиш сайқали билан ички олам ойнасига сайқал берувчи ва уни шахриёрликнинг бахту давлат куёши нуридан баҳраманд этгувчи юксак мартабали кутли хонадон хоқони, яъни амири кабир Худоёрхон меҳрибонлик жиловини Мусулмонқули томонга буриб, уни Андижон вилоятидан келтириб, вазирликнинг тўрт ёстиқли ўриндиғига ўтказди. Талотўм-бузғунчилик тўлқинларининг фитна изловчиларини эса замоннинг ғам етказувчи гирдобидан айро солиб, уларга дор ил-омонликнинг нажот соҳилини бахшида қилган кўйи, Дуоб оралиғига жўнатди. Тикану хас-хашакни гулу гулистон саҳнидан супуриб ташлаб, тинчлигу омонлик билан давлат ва бахтиёрлик томошаси истироҳатига киришди. Чунончи охунд қори Қундузий Мусулмонқулининг учинчи бора вазирлик мансабига тайинланиши санасини ушбу йўсинда таърих қилиб, назм ипига терганди. **Таърих:**

Бори дуввум чун Мусулмонқул фитод аз мансабаш,
Боз аз Фарғона забти мамлакат шуд нопадид.
Бори севвум ложарам бар маснади сардорияш,
Шоҳ биншонида аз ғавғои олам орамид.
Гуфт Комий баҳри таърихаш ба пеши ҳосидон,
«Боз иқболи Мусулмонқул шукўҳи тоза дид».
[Мусулмонқул иккинчи бор мансабидан тушгач,
Фарғона мамлакатини бошқариш ишлари яна тарк этди.
Учинчи марта ноилож сардорлиги мансабига уни шоҳ,
Ўтказди-ю, олам ғавғосидан бошини тинчитди.
Комий таърихи учун деди ҳасадчилар олдида,
Яна Мусулмонқул қайтадан улуғлик топди.

//208^a Яширин қолмасинким, охирги мисраъ таърих моддаси бўлиб, юқоридаги «пеши ҳосидон» сўзларидаги «ҳо» ва айрим ҳарфларга ишора қилинган учун бу ерда бир минг икки юз олтмиш беш (1265/1849) сони ҳосил бўлади.

Хон бир неча муддат шундай хуррам ва бу янглиғ мукаррам қадамлик билан жаҳондорлик истиқоматида сокин бўлгач, барча халойиқ хурсанд ва юраклари шодликка тўлди. Давлат эгаси ҳеч бир нарсада бирон дақиқа камчиликка йўл қўймай, жаҳонбонлик ишларини бекамакўс адо этгач, бузғунчилик тоши халқнинг мақсуд йўлида оёғига тегмай, бир неча ой мобайнида ёзнинг хуш хавосидан роҳатланиб, ғафлат ва бепарволик ичра қиш фаслига ҳам етиб келдилар. Фарзандлар тўйи хаваси ҳар бир булхавас бошига тушгани каби ҳар бир бой ва фуқаро тўла орзу билан ўз уйларида ноқора ва карнай чалиш, масхарабозлик ўйинларини ташкил қилиб, бу каби тўй беришда бир-биридан ўзиб, хурсандчиликни канда қилмадилар. Хусусан Тошканд ҳокими Нормуҳаммад *қўшбеги* томошо базмини барпо этиш борасидаги баҳона йўлларини бошқалардан кўра кўпроқ изларди. **Байт:**

Фароғи дилат нест нерўи тан,
Чу майдон фарох аст гўй бизан.
[Кўнгил хушлиги тан кучи эмас,
Майдон кенгдир, човгон ўйна.

Ана шундай ҳолат асносида кунлардан бир куни номозшом вақтида Муҳаммадёр ва мулло Холбек, Раҳмонча, Жумабой ўз аймақияси билан бирга беш юз нафарга яқин одамларини олиб, душманлар шохини синдириш ва умидсизлар ниҳолини янчиш ҳамда вазирлик салтанати умидида Хўқандга бостириб келиб, Ўрдага кирдилар. Мусулмонқули каби айёр душманни ёлғиз ва шерикларидан холи ҳолда якка ва танҳо ҳолда амир валъинами ёнида ўтирган вазиятда топдилар. Аммо уни дарҳол қатлга етказишни истамадилар. Шу зайл бир-биридан анча гина қилиб, бироз вақт икки тараф ҳам тинчланиб ўтирдилар. Мусулмонқули ўзини босган ва оғир тутган кўйи неча бир

найранг ва хийла билан бир амаллаб мулло Холбекни ташқарига олиб чиқди ва билдирмай бир жойда камаб қўйди. Қулай фурсат келиб, майдон кенг қолгач эса Муҳаммадёрни ҳам тортиб-судраб, хон олдидан ташқарига чиқариб, Ўрда саҳнида бошини кесиш билан қатлга еткарди. Мулло Чўлибек, Олишбий сингари қанча ишончли кишиси бўлса ва бошқа нечаларни Туркистонга сургун қилиб юборди. Лашкарнинг қолганлари ҳам ҳар бири ўз ҳолича пароканда бўлиб, тарқаб кетдилар. **Байт:**

Чу рои хўрдадон дар кор басти,
Ба як тадбир чанд лашкар шикасти.
Чу кори мамлакатро назм доди,
Ба як мактуб иқлиме кушоди.
[Доно одамлар иш билармонлик қилса,
Бир хийла билан неча лашкарни енгар.
Мамлакат ишига бердинг тартиб-низом,
Бир хат билан бир ўлкани қўлга олдинг.

//208^b Ақлсизлик ва бефаҳмлиқ ўй-фикри сулҳ ишлари равнақиға калтабинлик лофини ургач, махфий қолмасинким, ор-номус талабгорларига имкон доирасида саъй-ҳаракат қилиш фақат имкон доирасида қўл келади. Аммо шундан сўнг ғалаба келинининг чехраси ғайб пардаси ортидан кўриниш бермаса, демак ул тоифа уринишлари жаҳон яратувчиси ва илоҳий тақдир қўлида бўлиб, бунда уларнинг бирор ихтиёрлари йўқдир ва бўлмайти ҳам. Зероки «аслида ғалаба фақат Аллоҳ ҳузуридан келур»¹⁹²⁵ ояти каримаси мазмунича, фатху зафар эшикларининг очилиши Аллоҳнинг қазову-тақдирига бориб тақалади, довюраллик қилувчининг ҳаракат сарпанжаси кучига эмас. Мардлик номига эга кишилар душманнинг қилич ва найзасига кўкрагини қалқон қиладилар, холос. Чунончи бу воқеалар баёни юқорида тилга олиб ўтилди. Ва ҳазрат мавлавий Жомий бу маънийда бир рубоий иншо қилмишлар. **Рубоий:**

Тарихи жаҳон, ки қиссаи хурду калон,
Дуржест дар он чи шахриёр, он чи малол.
Дар ҳар варақаш бихон ки: фи ювми казо,
Қадамоти фалон ибн фалон ибн фалон.
[Катта-кичикнинг қиссаси бўлмиш жаҳон тарихи,
Бир кутидир, унда ҳам шох, ҳам фуқаро сўзи бор.
Ҳар варағида ўқирсан: фалончи айёмида,
Фалон ўғли фалон ўғли фалон замонида.

Ушбу сатрлар муаллифининг назми эса ушбудир:

Эй шуда мағрури жаҳони хароб,
Чанд ниҳи дидаи ғафлат ба хоб.
Умри гаронмоя сабук ҳамчу бод,
Рафт, ту аз марг наёри ба ёд.
Хез, саранжоми сафар соз зуд,
Даст газидан зи надомат чи суд.
Нодира табъони дақоик асос,
Нукта рабоён бурданд аз қиёс.
Мажмаи илм чу авроқи пок,
Дастии қазо карда ба сандуқи хок.
Дори фано ҳеч надорад сабот,
Барги бақо нест ба нахли ҳаёт.
Ба ашжари умр таманно макун,
Сарсари маргат канад аз беху бун.
Ранги бақо нест ба олам паид,
Бўи вафо дар гили инсон ки дид?
Дори агар дидаи ибрат кушой,
Чарх кунад чашми туро тўтиё.
Нутқварон хуфта ба коми лаҳад,
Ҳамчу лаб кушо ҳамўш абад.
Ҳамсафари хона бад эшон шуданд,
Қофилаи шаҳри ҳамўшон шуданд.
Одати хўйи фалаки кина куш,

¹⁹²⁵ Қуръони карим, 3:126.

Сурма кунад хоки ту яъни хамўш.
Софдилон зери замин сад ҳазор,
Монда чу ойина зери ғубор.
Ҳар ки кашад журъа зи шахди ҳаёт,
Нўш кунад захр зи коси мамот.
Кунжи лаҳад ҳамнафаси мору мўр,
То дами муҳлат гаҳе ювм ан-нашур.
Мекашад аз жозиба ба қаҳрабо,
Шуд нафаси кўр дами аждаҳо.
//209^a Гар бихўрад мағзи касон бок нест,
Хок кам аз афъии Заҳҳок нест.
Хуни касонро пайи хам рўзу шаб,
Пок хўрад хок бимолад ба лаб.
Роқим аз ин ажаб риё пок бош,
Пештар аз хок шудан хок бош.
Кард сарафроз ба озодагий,
Хок сифат бош ба афтодагий.
Ёди азизон ту бикун ҳар нафас,
То ки зи баъди ту кунад ёд кас.
Кори худ бош, насиҳат макун,
Бар худ худ кун, ки насиҳат ҳамин.
Ин Аваз кори шарру шуур,
Чанд куни доираи пур ғурур.
[Вайрон жаҳонга кўнгил қўйган зот,
Қачонгача ғафлат уйқусида ётасан.
Қимматли умр елдек энгилгина,
Кетди, сен эса ўлимни ўйламайсан.
Тур, тезда сафар анжомини созла,
Афсус бармоғини тишлашдан не фойда.
Нодира таъб, оқил, ҳикмат англовчи,
Кишилар умридан қил буни сен қиёс.
Илм мажмуаси оқ варақлардек бўлиб,
Қазо кўлидан тупроқ сандиғига тушди.
Фано уйининг йўқ ҳеч бир бақоси,
Бақо барги йўқ ҳаёт дарахтида ҳеч.
Умр дарахтига ишонма, эсиб ўлим ели,
Қўпорар таг-туги билан қулатиб.
Оламда бақо ранги сира кўринмас,
Инсон зотида вафо исин ким кўрибди.
Бор бўлса агар ибрат кўзинг очгил,
Чарх қилгуси кўзингни тўтиё.
Сўзамоллар ётибди лаҳад ичида,
Оғзи очиғу, аммо жим-жит мангуга.
Уйи йўқларга ҳамсафар бўлишган,
Жимжитлар карвонига қўшилишган.
Адоватга интилувчи фалакнинг одати,
Сурма қилар тупроғинг, яъни жимдир,
Юз минг софдил ер остида ётган кўйи,
Қолишган ойнадек чанг тагида.
Ким ҳаёт болидан татиган эсса бир қатра,
Заҳар ичган эрур ўлим косасидан.
Лаҳад бурчагида илон, чаёнга ҳамнафас,
Бўлур қиёмат куни муҳлати етгунча.
Қаҳрабодек тортдинг не илинса кўзингга,
Кўр нафс бўлар энди аждаҳо дамига мубтало.
Ер еса одам миясин ҳеч ажаб ери йўқдир,

Тупроқ ҳам заҳарли Заҳҳок дамидан кам эмас-да.
Бировлар қонини кеча-ю кундуз ичдинг,
Энди уни тупроқ пок-покиза шимирар.
Роқим бу турфа риёлардан пок бўл,
Тупроқ бўлишдан олдин мисли хок бўл.
Сарв кесилди бошин тутгани учун осмон,
Хок сифат бўл сен камтарликда.
Азизлар ёдин қил сен ҳар нафас,
Сендан сўнг сени ҳам қилгайлар ёд.
Ўзи ишинг билан бўл, насиҳат қилма,
Не насиҳат қилсанг, қил шуларни ўзингга
Эй Аваз, шовқин-ғавғони қачонгача,
Кеккайиш учун қилурсан бу дунёдан].

Бу воқеа ва мазкур гап-сўзлар уруғ-аймоқ аҳлидан кўпларнинг дил ойнасидан ғубор зангини кетказувчи бўлмади, сафолик бахш этмади, аксинча малол чанги билан булғаб, хира торттирди. Зоҳирда тиллари бир хил бўлса-да, ботинлари дилтанглик ва рангсизлик тусини олди. Уруғ-аймоқнинг катталари хотиржамлини йўқотдилар. Юраклари доимо хавф-хатарда бўлди. Кеча-ю кундуз, балки доимий бир равишда эҳтиёткорлик сари киришиб, ҳар қайси ўз эшик ва деворига ишончли одамларни қўйиб, шундан сўнггина ўз ишларини адо этиш билан машғул бўла олдилар. Чунки бу воқеадан олдин *қипчоқия* қабилалари бир-бири билан аҳду-паймон қилиб, қасам ва онт ичиб, қабила вакиллари қандай гуноҳ қилмасинлар, келишилган қасам ва ваъда бўйича, биров-бировни шаҳардан чиқариб юбормаслик, мол-мулкига кўз тикиб, қўл урмасликка қарор қилган эдилар. Шу вақт ичида эса яна оғзи олачилик тоши ул нокаслар дили сари отилиб, давлатларининг саёҳати охирига етди. Яна янгидан ярамас воқеалар юз бериб, ёқимсиз нағмалар қулоққа чалина бошлади. Шу жумладан бири шуқим, пойтахт вазирларидан бири бўлмиш мулло Каримқули *дастурхончи* ўзининг қариндошларидан бирининг тўйи учун Чодак мавзесига бориб, бир неча кун ўша ерда турди. Сўнг қайтмоқчи бўлиб, Қиёли мавзесига етишган ҳам эдики, шом вақти яқинлашиб, кечки овқатни тановул қилмоқчи бўлди. Шу вақт давлатхоҳ мухбирлар шамолдан ҳам тез юриб бориб, унинг қулоғига яна бир ёмон хабар билан чексиз кўрқув ва хавф таҳдиди мавжудлигини шипшидилар: - Мусулмонқул Сизнинг ҳаққингизда вужудида жой олган ярамас хаёл ботқоғига ботиб, йўлингизга одам буюриб, қатлга етказмоқчи. Ҳаётдан умидингиз бор бўлса ва яшаб қолишдан баҳрамандлик ҳосил қилишни истасангиз, ҳозирча вақт ғаниматдир.

Мулло Каримқули бу ваҳимали сўзларни эшитгач, тоқати тоқ бўлиб, хавфсираганча орқага қарамай қочмоқни лозим билди ва дарҳол чиройли юрувчи тавсанига миниб, //209^б отининг жиловини Тошканд томон буриб, кечаси билан йўл юрди ва тонг отгунча еттита филтан отни чарчатиб, Қурамага етди. Озгина дам олгач, от чоптирганча Тошканд шаҳрига кириб борди. Чунки ўша пайтда Тошканд ҳукумати Нормухаммад *қўшбеги*га тааллуқ топганди. Уларнинг бир-бирига жуда яқин қариндошлик нисбати бўлиб, шу сабабли уни ҳимоя қилиши қариндошлик ор-номусига кирарди. Шу зайл дўстга душман бўлдилар. Бу хабар Мусулмонқулига етишиб, ўз қилган ишидан афсус-надомат чекиб, мулло Қулбобо *рисолачини* узр сўраш учун юборди. Мулло Қулбобо ва *дастурхончи* ҳар иккаласи жон ваҳимаси ва тан кўрқуви ичра юрардилар, бу чиқишни ўзларига ғанимат санаб, жуда тез суръатларда ўзларини Тошкандга етказди ва не айтгулик сўз бўлса, қабул тангаси юзига нақшладилар. Улар ҳам шу баҳонада қутулиб қолганларини ғанимат билиб, шу ерда яшаб қолишни ўз жонлари нажоти учун билдилар. Сипоҳигарликка нима зарур бўлса, эпчил ёш-ялангларни шулар билан қуроллантириб, давлат ишларини тузатиш ва қалъани мустаҳкамлашга киришдилар. Бу хабар кетма-кет Мусулмонқулига етиб турди. Ор-номус томирининг олови шўъла сочиб, лашкар чақиритишни буюриб, оз фурсатда катта лашкар йиғди ва неча бир саъй-ҳаракатлар қилиб, уруш ишида камчилик сезмаслик борасидаги барча ишларни амалга оширди. Шундан сўнг ҳеч бир тўхтовсиз равишда манзилу бекатларни босиб ўтгач, ул мақсаду манзилга етди. Солор анҳори қирғоғининг бу тарафини лашкарга жой қилиб, турар-жой палос ва тўшагини ташлади. Йўл ҳордиқларини чиқариб, дам олгач ва яхшилаб ўрнашгач, ҳар кун қалъа қамалига киришиб, шаҳарни тўпу туфангдан ўққа тутмоқ билан бўлди. У томондан ҳам тўп борми, туфангми душман сафига қарата отиб, Парвиндек бир ерга йиғилган лашкар тўпини Банот ун-наъш каби тарқатиб юборардилар. Шу тариха бир неча кун ўтди, аммо мақсад умиди муддаога йўлдош бўлмади. Ноумидлик тушкунлиги Мусулмонқули пешонасига тепиб, қайтишга ирода қилганча андак-андак ўзини нажот соҳили сари олиб, Хўқанди латиф йўлини ихтиёр этди. Неча бир манзилу бекатларни орқада қолдириб, мақсад манзилгоҳига етишиб, қарор ва ором олди.

Аммо қабила аҳли ичида бир-бирдан кўрқиш ва ҳадиксираш туйғулари кўнгилларига елимдек ёпишиб, на овқат ейишларида ҳузур бўлди, на сув ичишларида. Туну кун уйқулари ва ўтириб-туришларидаги ҳаловат қочиби, оромини бутунлай йўқотдилар. Мусулмонқули бу ҳолни //210^a мушоҳада қилиб қараса, қарама-қаршилик кундан-кунга кучайиб бормоқда. Агар Тошканд вилояти ишини бир ёқлик қилмаса, шунча қийинчилик билан амалга ошган ишлар чипакка чиқиб, натижаси давлатнинг бузилиши билан якун топади. Кеча-ю кундуз шу фикр-ўй гирдобиди қолиб, қанча илож-чора изламасин, бирор йўлини топа олмади. **Байт:**

Зи соҳиби ғараз то сухан нашнави,
Ки гар кор банди пушаймон шави.
[Ғаразли кишининг сўзларига тутма кулоқ,
Қулоқ оссанг агар бўлурсан кўп пушаймон.

Ахийри яна лашкар тўплаш тараддудига тушиб, ён-атрофга одам юборди. Лашкар аҳли Искандар тўғонидек ва денгиз тўлқини каби тўп-тўп бўлиб кела бошладилар ва иш саранжомини янгидан чексиз раванққа етказиб, Тошканд томонга юриш иродаси билан кўшин тортиб чиқди. Манзилу бекатларни босиб ва тоғлардан ошиб, дарёлардан кечиб ўтгач, умид соҳилига етишиб, мақсуд манзилига бориб тушди. Кеча-ю кундуз қалъани фатҳ этишга уриниб, тўпу туфангни қалъа ичига қараб тўхтовсиз отардилар. Босқин-чопқин учун ҳам Тошканднинг ён-атрофидаги даҳа ва қишлоқларига лашкарлар буюриб, яғмо ва чаповул урардилар. Хусусан Шаҳрихон ҳокими бўлмиш Холмуҳаммад *додхоҳ қипчоқ*ни Чимкент мавзесига юборди ва ул мардона киши ўзини Мусулмонқули лашкаридан нарига олгач, Имом Исмоил Ото турбати мавзесигача, балки ундан ҳам олдинроққа ўтиб, қайтиб келди ва ихтиёр жиловини Тошканд шаҳри ичига бурди. Лашкар ҳамроҳлигида Тошканд ичида биродарлари ёрдамида кўш ташлади. Бу ҳодиса лашкар орасида тарқалиб, барчага ошкоро бўлгач, лашкар ичига бесаранжомлик тушиб, нечлар энди бу ерда тўхташни жойиз кўрмай, Хўқандга қайтиб кетдилар. Манзилларни босиб, бекатларни ортда қолдиргач, улуғворлик ва бахту иқбол давлатхонасига келиб тушдилар. **Байт:**

Чун давлат ёр шуд лашкар набояд,
Чу ҳақ ёри дихад ханжар набояд.
[Давлат ёр бўлса, кўшин не даркор,
Ҳақ ёрдам берса, ханжарга не бор.

Хуллас, тақдир тақозосича *қипчоқ*лар давлати қуйилик сари майл билдирган экан, шу зайл биринчи марта илгариги иттифоқчилик нифоққа //210^b айланди. Улус қабиласининг ҳар қайсиниси ўз қариндошига тортиб, кундан-кун бузилиш гирдобига йўлиқдилар. Касал оғирлашган сари иситмаси кўпроқ ошкора бўла бошлади. Чунончи демишлар, **байт:**

Эътимодде макун ту бар давлат,
Як-ду ҳарфаш дўсту дигар лат.
[Давлатга ишонма кўпам сен,
Бир-икки сўзи дўст, бошқаси душман.

Мусулмонқули жаҳлу жоҳиллик юзасидан уларга нисбатан адоват ва кин камарини пасткашлик орқасида ёмонлик белига боғлаб, ҳамиша от, яроғ тараддуди ва барча назарини кўшин ишларини кучайтиришга қаратарди. Шу билан бирга яхши бир чора сифатида халқ ҳаётини яхшилаш юмушларига илгаригидан ҳам кўпроқ ривожу раванқ бағишларди. **Байт:**

Бемори ишқбозон ҳаргиз шифо наёбад,
То ҳусни сандалинро бо дарди сар набандад.
[Ошиқлар касалини сира даволаб бўлмас,
То сандал ёғочин бош оғриғига эм қилмагунча.

Кўнгилдаги ишлар охирига етишгач, ойдин қалб керакли нарсалар ташвишидан бутунлай тинчигач, яна бир марта кўп сонли кўшин йиғиб, ҳиммат иродасини душман бошини янчиш умидига боғлаб, Тошканд вилояти йўлини тутди. Анча йўлларни босиб ўтгач, саҳроларни ортда қолдиргач, тинчлик ва омонлик соҳилига ва феруз аломатлик манзили яқини Тошканд вилояти чеккасига етишди. Ер юзи майдонини чодир ва ўтовлар билан зийнат бериб, шу ерга кўш ташлади. Дам олгач, эртасига қалъа қамалига киришиб, қалъанинг бир тарафидан тўп ва туфанг отиш ва бошқа томонидан қалъага югуриш ҳужумларини кеча-ю кундуз амалга ошириб, қалъа ичини ҳузур-ҳаловатдан айирди ва бесаранжом гирдобига солди. Айниқса Сафарбой *меҳтар* кўп ҳаракат билан ердан лаҳм ковлаб, узун чуқурни дарвоза тагигача етказди. Бу журъатдан қалъа аҳли юрагига ғулғула тушиб, ҳар қайси унинг иши тадбирига киришдилар ва ҳар бири қаттиқ бош қотирганча, бунинг дафъи учун турли хил тадбир ўйлаб топишга тушдилар. **Байт:**

Ҳар касе бо шоҳи худ ёғий шавад,
Назди султони азал ёғий шавад.
[Ким ўз шоҳига қарши чиқса,
Азал султониға қарши чиққан бўлади.

Шу ҳолатда Марғинон ҳокими //211^а Ўтаббой қўшбеги давлатга яқинлигидан қалъа аҳлининг паришонлигини кузатиб қараса, агар ёрдам қўллови билан бул зулмат аҳлининг ғурбатзадаларига шафоат қилмасалар, қабоҳатли оқибатга сабаб бўлажак. Бунинг жазоси эса қиёмат куни ҳасрат ва надомат гуноҳидир. **Байт:**

Мажў дурусти аҳд аз жаҳони сушт ниҳод,
Ки ин ажуза арўси ҳазор домод аст.
[Аҳд созлигини сушт вужудли жаҳондан излама,
Ки бу қари келинчак минг куёвлидир.

Ўз ишини амалда синашга киришиб, эртаси куни қалъани муҳосира қилиш учун кетишга рухсат олиб, асасая дабдаба билан дашту саҳро юзига гарду ғубор сочиб, ўз лашкари билан душманга қарши тўқнашув учун саф тузди ва тўхтовсиз равишда уруш амалларидан от солиш ва жанг ўйинини кўрсатишни бажариб, анча вақт бу ишларини давом эттирди. Фурсат вақти етишгач, ўз тобелари билан бирга уч юз-тўрт юз, балки ундан ҳам кўп жаррор одам билан бирданига дарвоза рўпарасида от қўйиб, то хабардор бўлганларича дарвоза тагига етиб келди. Бунинг сабаби шунда эдики, бу воқеадан илгари, яъни бир неча кун олдин шаҳар ичидагилар билан тил бириктириб, шунга келишиб олинган эди. Шу жиҳатдан тарафлар бир-биридан ҳадиксирамай, ҳеч қўрқувсиз дарвозани очиб, буларни шаҳар ичкарига киритиб, устма-уст шодиёна ясаб, янгидан қувонч ва чексиз хушвақтлик ҳосил бўлди. Ва гўё Исавий дамнинг жонбахш ҳаёти ул бечораларнинг жонсарак бадпанларига янгидан руҳу жон киритган каби бўлди. Мусулмонқули бу ёмон қилиқдан юз минг дарду ҳасрат билан иши тараққий топмай қайтиб, ўз манзилгоҳига тушди. **Байт:**

Солҳо дил чун сабо тавфи риёзи даҳр кард,
Дар фазойи ў гуле гар ёфт бехоре наёфт.
[Йиллаб дил сабодек олам қийинчилигин тавоф этди,
Унинг саҳнида гар бир гул топган эса, у ҳам тиканли эди.

Бу воқеадан сўнг Мусулмонқулининг равнақ олови шўъласи ёғсизлик билан хира ва тийра тортиб, ҳиммати гавдасида ҳеч ғайрат журъати қолмай, ён-атрофга босқин-чопқин уюштириш учун одамлар юборди.

Иттифокот. (Рўй берган қизик воқеа) //211^б Ўша вақтда қалъачи савдогарлар¹⁹²⁶ корвонининг келиш мавсуми бўлиб, одатдаги йўлдан Тошканд шаҳрига кирмоқчи бўлишади. Ўша аснода лашкарга дуч келиб, лашкар аҳли Тошкандга киритмай, Хўқанд йўли билан олдларига солиб, ўз лашкаргоҳига туширадилар. Эртаси куни тонгда найири аъзам, яъни коинот жисми Қуёш оламини ўз нуридан мунаввар қилган чоғи маслаҳат жиловини қайтмоқда хайрли кўриб, кўч юқини карвон аҳлига бериб, ўз олдига солиб, кетаётган карвон орқасидан Мусулмонқули ўз лашкарини худди садди Искандардек тузатиб, йўлга тушди. Карвоннинг боши ҳозир Чирчиқ деб аталувчи Парак дарёсидан ўтиб, ҳар ким бир манзилгоҳга тушган пайтларида Мусулмонқули қўшинининг муқаддимаси Чирчиқнинг у тарафидан кўринса, унинг аввали дарё ичига энди кириб, охири Чирчиқ бўйига етишган эди. Шунда тўсатдан Тошканд лашкари худди яшин ва елдек унинг орқасидан ул қавмга етишиб, ҳамла қилди ва ўзини подага урган бўридек, қамишзорга тушган ўтдек, май шишаси устига ташланган ароқхўрдек ҳамда осмондан тушган селга ўхшаб, пасту баландликка парво қилмай, дуч келган тарафга қуйилиб бориб, кетаётганлар сафини остин-устун қилдилар. **Шеър:**

Чунон мезаданд карда қоҳиши синон,
Ки дигар ба дида надид жаҳон.
Биандохт аз пушт аспаш ба хок,
Даҳон пурхуну бар зада чок-чок.
[Найзаларни аямай санчишарди,
Ғаним кўзи жаҳон юзин кўрмасин деб.
Отдан ағдариб қулатарди ер тубан,
Оғиз тўла қон, лабу лунж йиртилган.

Шу тариқа дарё ичида тўлқинлар талотўми босқин-чопқин билан жондан бож оларди, ҳар одамнинг боши тўпдек дарё ичига думалаб кетарди ва оққан қон дарё юзини ҳино рангидек, йўқ, худди қизил майдек қилган эди. Ана шу янглиғ рўй берган жангу жадал билан дарёнинг бу қирғоғига

¹⁹²⁶ Қалъачи савдогарлар – Россиянинг Оренбург каби шаҳарларига қатнайдиган савдогарлар.

Ўтдилар ва ўзини дарё ичидан нажот соҳилига олиб чиққан ҳар кимса қочмоқ йўлини ўзининг тинч-омонлиги сабабчиси ўрнида кўриб, бошқанинг саломатлиги билан иши бўлмади. Мусулмонқули эса якка ва танҳо ўзини //212^a Тошканд тоғлиги ичига уриб, Чодак қишлоғи мавзесидан ўтиб, Чатқал мавзеси сари бадар кетди. Лашкар аҳли эса худди Банот ун-наъш каби ёйилиб ва сочилиб ҳар ким ўзича бўлди. Корвоннинг молу матоси кўпчилиги таланиб, торожга етди ёки божу хирож ўрнида тортиб олинди. Дорога менгзир Амирни давлат тарафдорлари меҳнат-азобдан қутқариб, шоҳликнинг ихтиёр жиловини қўлига тутқаздилар ва хонлик иззати билан дарё лабидан Тошканд қалъасига етказиб, султонлик давлатида жойлаштирдилар ва баракатли фотиҳа ўқиб, қайтадан ҳукумат юргизиш ишига қайтадан хоқоний эмин-эркинлик ўтқаздилар.

Байт:

Якero ба давлати тожу тахт,
Дигареро кунад хору баргашта бахт.
[Бирига тожу тахт давлатин берар,
Бирини хор қилиб, бахтдан айирар.

Хон Ўтаббой қўшбегининг бошини *мингбошилик* вазирлиги билан осмонга кўтардилар.

Мусулмонқулининг қочганини мавлоно Али қори Қундузий бир таърих силкига терган.

Таърих:

Чу Мусулмонқул ба хони мамлакат аз пойтахт,
Бо сиёсат шуд бурун то он, ки созад поймол.
Саркашонеро к-зи ў бинмуда эъроз иттифоқ,
Карда бо ҳам дар билоди Шош бо жангу жидол.
Иштиёке доштанд он гоҳ к-ў омад дар он
Мамлакат, аз лашкараш бигирифта роҳи эътизол.
Зад ниҳону ошкоро, даста-даста мешуданд,
Восили он саркашон то хон авҳам иттисол.
Ёфт бо эшон Мусулмонқул ба наздикони хеш,
Ложарам рў ба фирор овард аз роҳи завол.
Саркашон бар вай агар чандеки нусрат ёфтанд,
Бошад ин фатҳу зафар баргаштани иқбол дол.
Дур нанмояд ки бо ин давлат *қипчоқи* ў,
Бувад боис зи ибтидои кор то ҳангоми ҳол.
Дар дилам андешаи таърих Комий баски буд,
Ногаҳон омад ба гўши ҳушам аз ғайб ин мақол:
Дар гузашта аз даву давлат Мусулмонқул гурез.
Ёфт «хоҳад давлати *қипчоқро* омад завол».

[Мусулмонқули мамлакат хони билан пойтахтдан сиёсат-ла,
Ташқари чикди иттифоқчи бўлмаган ўжарларни этгали поймол.
Улар эса бирлашиб Шош шаҳрида урушга тайёр турдилар.
Мусулмонқул ул юртга борди ўз лашкарини олиб урушга.
Ваҳимали хон билан иккаласи қўшинни иккига бўлдилар,
Аммо Мусулмонқулнинг ўжар қариндошлари унинг эмас,
Балки хоннинг ёнини олдилар қувлаб барисини шаҳардан.
Ноилож Мусулмонқул қочишга қарор қилиб, ортга қочди.
Ўжарлар унинг устидан ғалаба қилсалар-да, бу ўзлари учун,
Бўлди бахтларининг қайтиши, узоққа бормас улар иқболи.
Дилимда Комий, бу воқеа санасини битиш майли кўп эди,
Шу сабаб туйқусдан ҳуш қулоғимга мана бу сўзлар етди:
Мусулмонқул давлат баҳридан кечиб қочмоққа тушди,
Демак, *қипчоқ* давлати заволининг бошланиши бу энди].

Махфий қолмасинким, //212^b «Мусулмонқул» ва «гурез» ҳамда «давлати *қипчоқ*» сўзларининг хари бири таърих моддаси бўлиб, бу ерда яна исқотга ишора бўлгани учун, бир минг икки юз олтмиш саккиз (1268/1852) сони ҳосил бўлади.

Амири валинаъми давлат тахтига ўрнашиб ўтиргач, Ҳотамқули¹⁹²⁷ қипчоқни Хўқанд вилоятига пойтахт шаҳарни сақлаш учун юборди. У тез суръатларда етишиб, бу қувонч аломатли хабарни давлат устунларига ва шаҳар фуқароларига етказиб, ҳаммани ўзидан рози ва хурсанд қилди. Бу ҳол асносида Амири валинаъмининг бошқа қариндошларидан бири бўлмиш Абдуллоҳбек ибн Худойқулибек даладаги даҳа ва қишлоқлардан разил ва қалтоқ одамларнинг минг-минг беш юз нафарга яқинини пиёда ва отлик ҳолда йиғди ва кунлардан бир кун тонг маҳали мазкур доғули қалтоқлар қўлига таёқ, чўқмор ушлаган кўйи «замон-замони Абдуллоҳхон дир» дея жар солиб, бозор бошидан ўтганча Ўрдага кирдилар ва Шифанак манзилгоҳига тушди. Шу аснода Каримқули *дастурхончининг* ҳам «келди-келди» хабари бирин-кетин етиша бошлади. Бу эса Ҳотамқулининг палид жасадига янгидан жон бағишлаб, қувватга минди ва Абдуллоҳбек шаҳарга киргач, қочишдан бошқа чора топмаган бу номард, етиб борган Сайхун дарёси қирғоғидан қайтиб келиб, ўзига тобе кишилар билан биргалашиб Ўрдада ўтирган Абдуллоҳбекни ушлаб, бошини танасидан жудо қилиб, қатлга еткарди. Абдуллоҳбекнинг тарқоқ ҳолдаги одамларининг барчаси ҳар тарафга путраб, қочиб қолдилар. Яна давлат истиқлоли қипчоқлар томон тўғирланди. Бунинг устига Каримқули *дастурхончи* ҳам етиб келиб, Ўрдани эгаллади.

Жаноб Эшон қори Қундузий Абдуллоҳхоннинг қипчоқ кўлида ўлдирилганини таърих дурлари ипига шундай тизганди. //213^a **Таърих:**

Жонишини хусрави Фарғона Абдуллоҳбек,
Шуд ба фармонаш дар айёме ки он хони жавод.
Паййи таскини селоби адоватҳо ки ёфт,
Дар миёни зумраи қипчоқи бебок иштиход.
Буд баъд аз инҳидом қасри иқболи Мусулмонқул,
Он фавже, ки нусрат ёфт бар вай гашта шод.
Омада дар пойтахт он жонишини шоҳро,
Кушта ба фармойиши олийву сараш бар бод дод.
Шаб ки аз рўйи ҳаводис хостам таърихи ў,
«Сўрхрў бинмуд Абдуллоҳбеки номурод».
Баҳри қатли ў магар таърихи дигар илтимос,
Фикрам аз сари хирад дорад ки гуфт он устод.
Карда Комий чок жайби ҳастияш гоҳи камол,
«Ҳайф Абдуллоҳ бекам шуд шаҳиди қавми Од».
[Фарғона хонининг ўринбосари Абдуллоҳбек,
Хон фармони билан тахтга чиққан эди.
Қипчоқ бебоклари ичида кучайган адоватлар,
Сели олдини олиш учун шундай йўл тутилган эди.
Мусулмонқул иқбол қасри бузилгандан сўнг,
Ғалаба қилган ул тўда бундан хурсанд бўлди.
Пойтахтга келиб шоҳнинг ўринбосарини,
Ўлдириб олий фармон билан, бошини елга совурди.
Кечаси бу ҳодиса юзасидан таърихини сўрасам,
Номурод Абдуллоҳбекнинг юзи қизарди.
Унинг қатли учун бошқа таърихни илтимос қилди,
Фикрим ақл юзасидан ул устод сўзини тутди.
Қилди Комий борлиқ ёқасин чок гоҳи камолида,
«Ҳайфким, Абдуллоҳ бегим Од қавмининг шаҳиди бўлди»].

Яширин қолмасинким, таърих сони саналган бир минг икки юз олтмиш саккизни чиқариш бу йўсинда амалга ошади: «Гоҳи камол, ҳайф Абдуллоҳбегим шуд шаҳиди Од» таърих моддаси бўлиб, «жайби ҳастий» сўзларидаги «ҳо» ҳарфи исқотига ишора бўлгани учун кўзланган сана (1852) чиқади.

Бу можародан кейин бир неча кун ўтиб, Амири валинаъми асаса-ю дабдаба ва куй ва замзама билан шону шавкат ичра пойтахтга кириб келди. Қипчоқ муҳолифларидан асир тушган бир нечасини, шу жумладан Мирзод қўшибегини Мулло Каримқули *дастурхончи* ўз уйида сақлаб турарди. Ундан сўраб-суриштириб, бисотида нимаси бўлса олиб, ўзини бир кечаси туяхонада нарига дунёга равона қилиб, ота-боболари ёнига етказди. Сафарбой *меҳтар* сингари яна бошқаларни эса миршабхонада сақлаётган эдилар. Шу аҳвол асноси ва бу гап-сўзлар орасида Чатқал қирғизлари

¹⁹²⁷ Ҳотамқул парвоначи – Тўра кўрғон ҳокими, қипчоқларнинг ўлмас уруғидан. Уни Қилич кўрчи ибн Абдуллоҳбек Қўқон бозорида омма олдида қатл этиб, шу билан отасининг қасосини олганга ўхшайди.

сонсиз лашкар билан Андижон музофотларини босқин-чопқин қилиш умидида келиб, қишлоқ ва элларга чаповул урдилар. //213^б Бу даҳшат аломатли воқеа хабари амирнинг шараф зотли қулоғига етгач, дарҳол ул жамоа устига атроф-теваракнинг лашкарини буюриб, ўз ҳузурида хизмат билан турган олти *понсад* одамини ҳам юборди. Лашкар қораси ул кудуратли *қирғиз*лар устига етгач, икки тараф сафлари бир-бирига қараб тизилди ва азим бир жанг бўлиб, жаҳонни икки тараф тақоварлари туёғининг гарду ғубори ва чанг-тўзони босганча осмон томошачиларига тўсиқ бўлди. **Шеър:**

Бирафтанд аз жой яқсар чу кўх,
Даҳо даҳ бар омад зи ҳар ду гурўх.
Биёбон чу дарёи хун шуд дуруст,
Ту гуфти зи рўи замин лола руст.
[Кўзғалдилар жойидан бирдан тоғдек,
Ҳар гуруҳдан ўнлаб кишилар чикди.
Биёбон қон денгизидек бўлиб қолди,
Гўё ер юзи униб чиққан лола билан қопланганди.

Ён-атрофдаги томошабинлар жанг майдонидаги чанг-тўзон тарқалгач, зафар ва фатҳ ели амир кўшини байроқлари сари эсиб, *қирғиз*ларнинг елдек учар лашкари эса худди хазон вақтида тўкилган барглардек ер билан тенг бўлиб ётганини аниқ-тиниқ кўрдилар. Улардан анчаси асирлик занжири билан қаттиқ боғланган бўлса, фақат оз қисмигина қочиш водийси сари юз тута олган эдилар. Ғалаба аломатли кўшин ва унга бошчилик қилганлар душман тум-тарақай қочгач, кўнгил тинчлиги билан қайтиб Андижонга кўш ташладилар ва бир неча кун шу дам олиб, ҳордиқ чиқардилар.

Шу воқеалар асносида, яъни сал илгари Амири валинаъми Тошканд, Намангон ва Андижон, Марғинов ва шу ён-атрофларга *қипчоқ*лар қатли учун одам юборган эдилар. **Байт:**

Ёр қасди қатли ман дорад ба теғи инқито,
Ҳар қас аз шомии ажал тарсад, ман аз рўзи видо.
[Ёр кескир қилич билан менинг қатлим истайди,
Бошқалар ажал тунидан кўрар, мен хайрлашув кундузидан.

Хусусан Тошканд томонга Муҳаммадниёз *понсад*, Қосим *понсад*, Ниёзали *понсад* ва бошқаларни эса бошқа томонларга буюрган эди. Булар яширинча аҳду паймон қилиб, бир-бирига қасамлар ичган кўйи оғиз бириктирдилар ва бу жиҳатдан ўз кўнгилларини тинчитгач, ҳаммаси биргаликда ўз ҳокими Нормуҳаммад *қўшбеги қипчоқ* ҳузурига бориб, қуйидагича арз қилдилар: Хон ҳазратнинг Тошканддан кетганига ҳам бунча вақт бўлди, биз эса ҳалигача ул ҳазратни қутлагани бормадик. Ҳаммамиз бориб, табриклашимиз лозим ва қоидаги биноан. назаридан пешкашу тортуқлар ўтқариб //214^а қайтишимиз даркор.

Айни ўша пайтда амири валинаъми томонидан ҳам устма-уст иноятнома хатлари келиб, Тошканд амалдорларидан чексиз лутфу марҳаматини аямай, банда навозлик каби сийловлар кўрсатди. Нормуҳаммад *қўшбеги* уларнинг васвасасига илиниб ва хоннинг марҳамат навозлигидан умидвор бўлиб, пешкаш ва тортуқ тараддудига тушди ва тезда уларни жамлаб, яхши совғалар тайёрлади. Чунончи айтмишлар, **рубой:**

Панди некон ба жону дил бишинав,
То ки гарди азиз дар ду жаҳон.
Дар жаҳон бош марди тажрибакор,
Дарсу ҳикмат зи аҳли дониш жўён.
[Яхшилар пандини жону дил билан эшит,
То ки икки жаҳонда азиз бўлгайсан.
Жаҳонда тажрибакор одам бўл,
Билим аҳлидан дарс ол, ҳикмат изла.

Бу ишдаги саъй-ҳаракатлар охирига етгач, Хўқанд йўлини тутиб, сафар сари чиқдилар. Аркони давлат маслаҳат юзасидан икки *понсад* одамни олдин юбориб ва ўзлари уларнинг орқасидан манзилма-манзил кела бошладилар. Қай бир манзилга етсалар ва ўш ерда кўш ташламоқчи бўлсалар, ҳалиги олдин кетганлар ярим фарсахча олдин бориб, одамларнинг ўтиш йўлини тўсар ва ҳеч кимнинг олду орқага ўтишига қўймасдилар.

Нормуҳаммад *қўшбегининг* келаётгани хабари *қипчоқ*ларга етишгач, ҳар кун бир киши-икки киши ва уч кишини Нормуҳаммад *қўшбегига* олдиға юбориб, асло бу ерга келмаслиги, вақти борида орқага қайтиб кетишини таъкидлашга уринардилар. Аммо лашкарнинг олд қисми эса уларни *қўшбеги* ёнига боришга қўймай, ушлаб олганча бирор ерда яшириб қўйишарди. Мабодо Амири валинаъмидан иноятнома етиб келса, уни олиб бориб кўрсатардилар. Нормуҳаммад *қўшбеги* соддаликдан шунча

ишлар юзага чиққан эса-да, шу вақт ичида буларнинг шунча кирдоридан заррача ҳам воқиф бўлмади. Ҳатто, бирон нарсани хаёлига келтириб, кўнгли бирон гумон сари чопмади ҳам. **Байт:**

Ба роҳи чоҳ агар чи тез так бувад,
Ба вақти комроний сушт рағ бувад.
[Ўнқир-чўнқир йўлда тез югурак бўлса ҳам,
Манзилга етгач томирлари ишга сушт тортади.

Шу тариқа тепалик ва дарёдан ўтиб, сешанба куни 21 зу-л-ҳижжа 1268 йили¹⁹²⁸ Сичқон йилида Хўқандга етишдилар ва шаҳар дарвозасидан киришаркан барчаси пилта милтиқларни ўт олдириб «тайёр бўл, қараб тур» деган буйруқлар садосини янгради келардилар. Булардан ярим соатча олдин //214^б бу йўлдан Андижонга кетган қипчоқ лашкари ўтиб, унинг аввали отдан эндигина тушган эди. Охири эса ҳали етиб тўла келмаган ва от устидан ерга қадам қўймаган эди. Ўша ортда қолганлар етиб келиб, қипчоқларни айлана қилиб ўраб олдилар ва бирданига Қосим *понсад*, Қанбар *понсад* ва Муҳаммадниёз *понсад* ва бошқалар Тошканд лашкарини «қипчоқни тут» деган бақирлар остида уриб кетишди ва бир зумда уларни остин-устин қилиб, Ўрда ичига киришди ва Ўрдадаги қипчоқ катталарини Ўтаббой ва Тошканд ҳокими бўлмиш Нормухаммад қўшбегидан бошқа барисини ўлдириб ташладилар. Буларнинг қўлидан омон қочиб чиққанлари эса зўрға қочиб қутулдилар. Шаҳар ва дашту қишлоқда яширина олмай қолган бошқаларини эса доғули қалтоқ кишилар қаерда топслар ўлдирдилар. Уларнинг бола-чақасини асир олиб, қўлларидан қандай номаъқулчилик келса, буларга нисбатан қилдилар. **Байт:**

Намонд аз далерон касе бар қарор,
Ҳама гашта хаста афтод ба хор.
[Ботирлардан ҳеч ким омон қолмади,
Бариси ярадор ва ночор бўлишди.

Қочиб қутулган қипчоқларнинг барчаси Дуоб оралиғида йиғилдилар ва шу ерга ён-атрофдан, хуллас қаерда юрган бўлсалар бошқа қипчоқлар ҳам келиб, уларга қўшилдилар. Йиғилишгач, улардан катта бир қўшин ҳосил бўлди ва фурсат пойлаб турганларида, Мусулмонқули ҳам келиб, қўшилди. **Байт:**

Гар туро мушқил шавад, эй нури айн,
Шарҳи инро боз жўйи аз жунайн.
[Эй кўзим нури, қийинчилик туғилган чоғда,
Бунинг шарҳини излагайсан асл зотингдан.

Бу ходисалардан тинчигач, Амири валинаъми ҳукумат тахтида қарор топди. Муҳаммадниёз *понсад*га Тошканд ҳукумати давлатини топширди ва бошқаларга ҳам ўз мартабаларига қараб амал бериб, ҳаммасини ўзига мўте ва бўйсунувчи қилиб қўйди. Хуллас бу ишлар ҳам саранжом топгач, «Қил куйруқ» дея шаҳару //215^а қишлоқнинг бой ва шарифлари пиёда, отлик ҳамда Амири кабир мадади билан тоғ ва саҳрода ҳам одам қолмай, уруш мақсадида йўлга тушдилар. Амир валинаъми бахт-толели бир соатда ёрдам қўлини қозиюлҳожот сари чўзиб асъаса-ю дабдаба билан катта қўшин ҳамроҳлигида чиқиб, йўл ва бекатларни босиб ўтиб, Марғилон вилоятини қутли чодирлар тикилган жойга айлантди. Фармонга биноан қўшиннинг асос тўлқини фавжлари қипчоқ қавмлари мамлакати эгаллаш учун ён-атрофда белигиланган вақт ва жойда ҳумоюн ўрдуга келиб қўшилдилар. Лашкар сони кўплигидан ва бу қиёмат аломатли йиғинга Марғинон биёбони торлик қилиб қолди.

Ҳали ул ҳудуднинг айрим қавм ва уруғлари ҳумоюн мавкабга қўшилмаганига қарамай, жой шунчилик торлик қилгани сабабли юриш ноқорасини Дуоб соҳили оралиғи сари чалдилар ва осмонга тегувчи оёқни ҳилолга ўхшаш узангига қўйиб, давлату саодат отининг жоловини қипчоқ юрти томон бурдилар. **Шеър:**

Зи овоза азми хони жаҳон,
Бинжунбид яксар замину замон.
Биларзид кўх, бижунбид дашт,
Хурўши сипоҳ аз фалак дар гузашт.
Зи ҳар жонибе руюте шуд паид,
Равон фавж фавжи сипаҳ расид.
Зи бас жўши лашкар зи пирох роҳ
Басити замин танг шуд бар сипоҳ.
Ҳама бо дили шоду бо созу чанг,

¹⁹²⁸ 1852 йил 6 октябрь.

Ҳама гети афрӯз бо ном нанг.
 Ниҳон шуд ҳам рӯйи ҳомун ба наъл,
 Ҳаво яксар аз парниён гашта фаъал.
 Набувад бар замин пашшаро жойгоҳ,
 На андар ҳаво бодро монда роҳ.
 [Ҳаҳон хони юриши овозасидан,
 Бирдан заминун замон ларзага тушди.
 Тоғ титради-ю, дашт қимирлади,
 Қўшин шовқини осмондан ошди.
 Ҳар тарафдан қўшин кўрингач,
 Унинг гуруҳлар кела бошлади.
 Лашкар тошқинидан бари йўллар,
 Ва ер юзи қўшинга торлик қилди.
 Барчаси қувноқ ва созу чанг ила,
 Ҳаммаси оламини ёритувчи, ор-номусли.
 Сахро отлар тақасидан кўринмай қолди,
 Ҳаво бирдан улар дамидан исиди.
 Ер узра эса пашшага жой қолмади,
 Ҳавода шамол ўтиши учун йўл қолмади].

Хонликнинг қуёши нурли ва кайвон авжли байроғи Андижон томонидан ўтгач, ўзи сақловчи яратувчининг сақлови кафолатида Билқиллама йўлидан равона бўлди. Анча бекат ва манзилларни босиб ўтгач, Билқиллама мавзесига тушиб, чодир тикдилар. Эртаси куни шундай буюк шавкат ва ҳайбат билан ҳар қайси қабила уруғ ўз жамоасини сафга тузиб, довюррак хон ва мақсади ҳосил шахзодалар ўз туғ ва байрақи билан душман рўпарасида жойлашдилар. Ҳировул-ҳировул, бурунғор-бурунғор сипоҳнинг қўлу қалби ботирлар гавдаси билан безанди. Шижоат кирдорли қипчоқлар Миррих салобатли ширин жонларидан қўл ювиб, бирданига уч тўп бўлиб, ўртага чикдилар ва улардан бир гуруҳи ўзини сон-саноғи ҳаддан зиёд ва санаш имконидан ташқари бўлган оломон ҳолдаги қўшин сафига уриб, оломонни шундай тарқатиб юбордики, бундай ҳол инсон ақл доирасидан ташқари эди. Шу тариқа неча минг //215⁶ бебош авбош қалтоқдан ташкил топган оломонни тақоварларининг туёқлари остида эзиб-янчдилар ва шамширу найза, таёқ билан уриб ўлдирдиларки, бу босқинда нобуд бўлганларнинг саноғига адосиз эди. Иккинчи гуруҳ эса ушбу мақол мазмунига мутаранним бўлиб, уруш юзини Амири валинаъмининг сараланган қўшини томон қаратди ва икки орада қаттиқ тўқнашув рўй берди. **Байт:**

Кужои эй ажал, бар ман макун тир,
 Ман аз жон саргаронам жони ман гир.
 Бадин ошуфтаги гар бигзарад рӯз,
 Биё эй марг рахти зиндаги сўз.
 Агар ин аст тарзи зиндағони,
 Шавам қурбони марги жовидони.
 Фалак шарманда аз нокомии ман,
 Жунун дар парда аз бадномии ман.
 [Қайдасан эй ажал, ёнимдан ўтиб кетма,
 Жондан бошим қотган, жонимни ол.
 Шу қийинчилик билан ўтса гар ҳаёт,
 Кел эй ўлим, ҳаёт кўч-кўлонини ёндир.
 Агар яшаш тарзи шу бўлса,
 Мангу ўлимдан айланай минг бор.
 Фалак уялар менинг бахтсизлигимдан,
 Телба ўзин четга тортар бадномлигимдан.

Найири аъзам, яъни қуёш қадамини тезлатиб, кўриниш ҳолатини шитоб билан ботиш уфқи сари эндираётган чоғда уруш олови эндигина аланга олишга киришди. **Байт:**

Давонданд бар як дигар борагий,
 Салоҳ аз миён рафт якборагий.
 Қиёмат дар омад ба овардгоҳ,
 Бо барқ даровехт абри сиёҳ.
 Хасак дар раҳии ошти рехтанд,

Ситезагарон дар ҳам овехтанд.
[Бир-бири томон югурдилар,
Мувозанат орадан чикди бирдан.
Қиёмат тушди майдон аро,
Чақмоқ билан ёқалашди қора булут.
Яраш йўлига хашакдан ўт қаладилар,
Урушқоқлар бир-бирига ташландилар.

Қипчоқ аҳлининг одамлари сони озгина бўлишига қарамай, яъни икки минг нафарга ҳам етмаслигига боқмай, ҳумоюнӣ мавкаб лашкари сон-саноксиз бўлса ҳам шунча одамли қўшин шу даража тарқаб кетдики «аморат ювм нафар алмарман рхия» мазмуни ошкор ва «Баъзида Аллоҳ изни билан озчилик кўпчилик устидан ғалаба қозонади» маъноси юзага чикди. Давлат амирларининг ҳар қайси бир томонга айро тушиб, Тошканд ҳокими бўлмиш Муҳаммадниёз *қўшбеги* шу қочганча Диззах усти бўйлаб ўтиб, зўрға Тошкандга етиб олди. Бошқалар ҳам шундай қилишди. Амири валинаъми эса марди мардонавор ўн беш нафар кишиси билан бир тепаликда саргардон қолиб, на кетишга йўл топди, на қайтишга ва Аллоҳ зотига суянишдан ўзга чораси қолмади. Шу орада учинчи бўлак саналмиш Марғинон ҳокими, яъни Амири валинаъмининг акаси Маллабек лашкари билан жанг майдонига етиб келди. Бунинг воқеаси баёни ҳали яқин орада келажак сатрларда рақам қилинади, иншооллоҳи таоло. Маллабек ҳам замон шери ва марди мардона хонзода эди. Икки қўшин бир-бирига тўқнаш келиб, Маллабек бир неча бор зўр ҳамлалар уюштирди ва тарафлар шундай даражада уруш билакларини синашдики, баёнига ҳожат йўқ. **Байт:**

Садои камонҳо дар омад ба гўш,
Паййи ғорати ақлу торожи ҳуш.
Ялонро шуд аз ҳар тараф чўби тир,
Чу рағҳои ғайрат ба тан жойгир.
[Камон садолари кирди қулоққа,
Ақлу ҳушни ўғирламоқ учун.
Мардларга ҳар ёқдан келиб найза, ўқ,
Ғайрат томиридек танда ўрнашарди.

Ниҳоят Аллоҳ марҳаматидан зафар насими Маллабекка сари эсиб, *қипчоқлар* қочиш сари юз тутдилар. Маллабек бир-икки фарсахгача уларнинг орқасидан қувиб бориб, ушлашга кучи етмай //216^a орқага қайтди. Жанг майдонига етишгач, амири валинаъмининг озгина одами билан тепалик устида турганини кўрди. Амири валинаъми эса Маллабекни таниб, жанггоҳ сари ошиққанча унинг ёнига келди. Бу ерда ака-укалар неча минг кишининг сон-саноксиз мурдаларини кўрдилар. Хусусан Амири валинаъмининг қайнотаси ва пир-пешвоси бўлмиш Эшон Зоҳид хўжа¹⁹²⁹ *хўжаи калон*¹⁹³⁰ Жуйборийнинг жонсиз жасади тупроққа беланиб, қон ичра ғарқ ҳолатда ётарди. Шу ерда ҳозирлар ул мазлум шаҳид эшон марҳум ҳолига афсус-надоматлар чекиб, дув-дув кўз ёши оқиздилар. Вақт зик бўлгани учун бечорани ўша ердаёқ гўр қазиб, дафн қилдилар. Чунончи Гофирбой мирзо мунший хазрат Эшон шаҳодатининг вафоти таърихини қуйидагича қалам таҳририга чекканди. **Таърих:**

Муҳити сахову карам хўжа Зоҳид,
Зи баҳри навояш гуҳару як навола.
Сипехри сиёдат к-зи абри маҳосин,
Ба даври маҳу рўйи худ дошт ҳола.
Бузургий муфохират ба зоти шарифаш,
Нажобат зи девони мадҳаш қабола.
Асолат мабоҳ ба улувви нажодаш,
Ба атвори мустаҳсинаш ақл вола.
Фалотун шуда мулзам аз дониши ў,
Ба жанбаш Арасту тифли ду сола.
Ки ҳарби *қипчоқи* боғии муфсид,
Ки бориди тир аз ҳаво ҳамчу жола.
Қазоро яке барқи шамшери *қипчоқ*,
Шуд аз дасти тақдир сўяш ҳавола.
Ҳамон лаҳза аз дасти соқии даврон,
Шароби шаҳодат чашид аз пиёла.

¹⁹²⁹ Хўжа Калонтўра – асли номи эшон Зоҳидхўжа. Хўжанд (1842-1843) ҳокими ҳам бўлган. 1853 октябрида вафот этган.

¹⁹³⁰ Хўжаи калон – саййид ва хўжалар мулклари устидан назорат қиладиган амалдор.

Чу кофур ришаш ки буд аз сафидий,
 Ба хуни худаш гашт рангин чу лола.
 Геребони худ карда чок аҳли мотам,
 Зи боди мусибат парешон аз гулола.
 Ба дашти тафаккур ба қайдам дар омад,
 Ки ин сайди мазмун ба сони ғизола.
 Дабири хирад соли ин таъзиятро,
 Рақам кард зи найсони базли рисола.
 Сари турра бигушод рухсори гесў,
 Ба авжи фалак бурда «афғону нола»¹⁹³¹.
 [Саховат ва карам денгизи хўжа Зоҳид,
 Яхшилик учун ёйилган гавҳар дастурхон.
 Саййидлик осмони, юзи оқ булутдан,
 Ой атрофида ўз юзин қилмиш ҳола.
 Улуғворлик фахр этар шариф зоти ила,
 Нажиблик эса мадҳи девонидан хужжат.
 Зоти улуғлиги аслик учун бир ифтихор,
 Таҳсинга сазовор хулқига ақл хайрон.
 Билими олдида Афлотун уятда қолур,
 Ёнида Арасту мисоли икки яшар бола.
 Ифлос исёнчи қипчоқ уруши пайти,
 Осмондан ёғилди ўқлар гўёки ёмғир.
 Бир қипчоқнинг қиличи шўъласи,
 Такдир қўлидан бўлди хўжага ҳавола.
 Ўша лаҳзада даврон соқийси қўлидаги,
 Қадаҳдан шаҳидлик шаробини ичди.
 Оқлигидан кофурдек бўлган соқоли,
 Ўз қонидан лола каби қизил бўлди.
 Модам аҳли эса ёқасини йиртиб,
 Мусибат елидан гул баргидек қилди.
 Фикр даштида тўримга тушди бу,
 Мазмун ови оҳу-ғизола сингари.
 Бу азадорлик йили бобида ақл котиби,
 Найсон сахосидан бир рисола битди.
 Соч юзи турмагининг учини ечиб,
 Фалак авжиге етказда нолани].

Ҳазрат эшонни дафн этгач, омон қолганлик қувончини билдириш ва ёнларига мусулмонларни чақириш учун тўпу туфангдан ўқ отиб, овоз бердилар. Икки-уч фарсанг нари қочганлар шу заҳотиёк тўпу туфанг садосини эшитгач, айримлар ўша куни, баъзилар эртасига қайтиб кела бошлашди. Узоққа кетиб қолганларга эса хоннинг соғ-саломат эканини билдириш мақсадида иноятномалар ёзиб, ён-атрофга юбордилар. Хусусан Бухородан минг марта яхши бўлмиш Хўқанди латиф шариф шаҳрига кетма-кет уч кунгача ана шундай хабарлар келиб турди. Шаҳар аҳлининг ул маънини қабул қилмаган, яъни ишонмаганларнинг юрагига кеча-ю кундуз чексиз ҳадик-қўрқув йўл топиб, //216^б шаҳар аро ғулғула ва шовқин солганча ширин жонидан умид узиб, ғафлат уйқусини унутган кўйи бу ёмон кунлардан қандай омон чиқсак экан, дея ўз молу жонлари қайғусида ўтирар эдилар. Мазкур воқеанинг бешинчи куни, яъни сешанба куни катта-ю кичик барча бозорда ўтирганча ул тараф хабарларига қулоқларини динг қилиб ўтиришаркан, Ёрмозор катталаридан бири бўлмиш Қурбонбек додхоҳнинг укаси иноятнома нишонасини кўрсатиб, Ўрда томонга ўтиб кетди. Фироқ аҳлининг эзилган юракларига қайтадан жон кириб, ўз асл ҳолига қайтдилар. **Байт:**

Навиди фараҳбахш омад зи ёр,
 Башорати атоест аз парвардигор.
 [Ёрдан қувончли хабар келди, аслида,
 Худо лутфининг башоратидир бу.

¹⁹³¹ Тарих моддаси 1269/1853 йилни беради.

Амири валинаъми тўпу тўпхонани Андижоннинг катта қишлоқларидан бири саналган Пойтуғ мавзесида туширдилар. Ён-атрофдагилар ва хабар етганларнинг барчаси яна қайтиб келиб, лашкарга яна бир неча минг киши қўшилди ва бу сон-саноксиз кишилар билан бу йиғин олдингисидан ҳам зиёда бўлди.

Худо урган *қипчоқлар* эса Билқиллама ичига қамалиб, бола-чақа ва хотин-халажи егулик ҳеч нарсалари йўқлигидан доду фарёд қила бошладилар. Эркаклари бетоқатлик юзасидан бундай қаттиқ тугунни ечиш умидида бошларини дуч келган ерга урар ва шаҳару қишлоқлар бўйлаб изғишга тушгандилар. Аммо, барча ердан хайрият аломати ўрнига беҳурматлик нишонини кўриб, яна ортга қайтардилар. Бир неча марта Намангон ва Тўрақўрғонга бордилар, аммо бе нейл мақсуд қайтиб келдилар. Бошқа қишлоқларга боришса ҳам халқ калтак ва таёқ билан қувлаб солишар ва ортларига қайтариб юборишарди. Хуллас, қаерга боришмасин, ноумидсизликдан бошқа нарсани кўрмасдилар.

Ноилож бошини эзидий тақдир қазоси ризосига қўйиб, ҳикматли элчи излаб топиш маслаҳатини ўртага солиб, бечоралик ҳоли арзини минг боралик тавба-тазарру билан Амири валинаъми ҳузурига юбордилар. Амири кабир *қипчоқлар* аризасидан хабардор бўлгач, бундай аянчли аҳвол жараёни юзасидан шундай олий фармон чиқардилар: Мусулмонлар орасига бундай рахна солган киши Мусулмонқули саналади. Агар уни ушбу иноятнома етишган заҳоти ушлаб, қўл-оёғини боғлаган кўйи одамларимизга топширинг. У қилмишига яраша жазосини олиши лозим. Сизларнинг қанчалик катта-кичик гуноҳ ва гуноҳкорингиз бўлса, барининг баҳридан кечиб, дунёвий лаззатлар ичида энг ширини бўлган афв лаззати марҳаматини татитиб, меҳрибонлик лутфи билан яшнатиб, шоду хуррам қилгаймиз. //217^a Ва агар бу буйруққа бўйсунмасангиз, биз томонимиздан сизларнинг жонингиз жазосига нима лойиқ топилса, ўзингиздан кўринг. Бу ёмон аломатли хабар эшак мия *қипчоқларга* етишгач, душманни сийлаш маъноси таъмасига учиб, ҳаммаси иттифоқ бўлганча Мусулмонқулининг қўл-оёғини боғлаб, Амири валинаъми ҳузурига олиб келиб, катта-кичик бариси тавба ва узр сўраб, амир Худоёрхоннинг оёғига йиқилдилар ва хон билан янгидан аҳду паймон тузиб, кўнгил тинчлик ила давлат ҳимояти остига кирдилар. **Байт:**

Авжи давлат сифлатаъбонро ду рўз беш нест,
Хок агар имрўз дар чарх аст фардо зери пост.
[Пасткашларнинг давлати авжи икки кундан кўп эмас,
Чанг бугун осмонда чир учса, эртага оёқ остига тушади.

Амири валинаъми душманлардан кўнгли тинчиб, Мусулмонқулини дарҳол аробага солиб, лўлилар сардори ва бўриларнинг қонхўрроғи бўлмиш Йўлчи бек *додхоҳни* унга муваккил қилиб, кўп сонли, яхши қуролли сарбозларга аравани қўриқлатган кўйи кеча-кундуз мўл-кўл масофаларни босиб ўтиб, оз фурсатда ўзларини Хўқанди латифга етказдилар. Мусулмонқулининг «ана келди-ана келди» хабари эшитилгач, бу гап оламга ёйилди. Якшанба бозор куниси халойиқ ўз ишларини ташлаб, томоша учун одам устига одам йиғилиб, том борми, айвон борми, деворми устига чиқиб, ул мурдорни кўргани ўтириб олишди. Ҳали айтганимиз тартибда лўлилар ароба атрофини ўраб, Мусулмонқулни оёғида кишан ва бўйнида занжир билан олиб келмоқда эдилар. Бир нечта жаллод ҳам қиличини ялонғочлаб, улар олдида борар ва гуноҳкор сифатида хонга тутиб берилган *қипчоқлардан* ҳар юз-икки юз қадамда, бештами-ўнтасининг бошини кесиб, шу зайл ўтиб борардилар. Қиёматдан ҳам баттар бу каби қўрқинчли ҳолатда Мусулмонқулини шаҳар айлангириб ўтдилар. Иш масъуллари шаҳар ва қалъани қўриқлаш учун қолган эдилар. Нурбой *иноқ* ва Каримқули меҳтар ва бошқалар бир-бири билан биргаликда дурадгор устага текис бир тахта ясашни буюриб, Мусулмонқулини дарҳол ўн газ одам қаддидан баландроқ чорпояга маҳкамлаб, ҳалиги тахта устига чиқариб ўтқазиб, бошу елкасини занжир билан боғлаган ҳолда Миррих савлатли икки қонхўр жаллод унинг олд ва орқаси томонида жой олдилар. **Байт:**

Ки анқо боз монад аз паридан,
Зи гунжишкон лагад бояд кашидан.
[Анқо қуши учмоқдан тўхтаб қолса,
Чумчуқлар тепкисини кўтаришига тўғри келади].

Шунингдек, қаердан икки нафарми, уч нафарми, тўрт-бештами *қипчоқни* топиб келишса, жаллодлар оний бир суратда соат сайин ана шуларнинг бошини ҳам Мусулмонқул ўтирган тахта остида кесиб турдилар.

Мирзо Ғафур мунший бу воқеа баёни асосини //217^b дур сочувчи назм тизимига терган эди.

Назм:

Кунун бишнава аз хусрави Пойтуғ,
Ва зи он бақият ус-сайф дар байқалуқ.
Чи воқе шуд он қавми бетораро,

Ки сағони ҳар ғори мағороро.
Дар пеш омад он жаи авбошро,
Чи сон ёфтанд роҳи кенгошро.
Ки он жумла аз бими жон чун вухуш,
Нухуфтанд яксар сӯроҳи муш.
Чу шери жаён хони Баҳром кин,
Ки дар қасди рӯбах шуд андар камин.
Ба қасдаш чу пай бурданд он мардумон,
Жаҳон шӯри шари оташи хашми хон.
Нагардад зирех то нагирад ба даст,
Аз ин ранжи қипчоқонро дод даст.
Чу пас мондае чанд кенгош кард,
Ба ҳамдигар асрори дил фаш кард.
Чунин то ба кай саркаши мекунем,
Зи ислом гарданкаши мекунем.
Бемирем боғии муфсид мурем,
Ба роҳи залолат қадам бифшурем.
Чунин доштанд бо худ ин гуфтугӯ,
Бадин ҳол ҳар жо ки орем рӯ.
Бибандад дари лутф бар рӯи мо,
Зи шафқат насозад ниғаҳ сӯи мо .
Ба худ ин ҳама зулм худ кардаем,
Жафоҳо ба худ беадад кардаем.
Кунун мезасад узри тақсири хеш,
Ариза нависем ба амири хеш.
Ки шояд ба мо меҳрибони кунад,
Чу дар асл хонасту хони кунад.
Навиштанд маърузи риққат тароз,
Ба наздики хоқон ба ажзу ниёз.
Супурданд бар дасти донишварон,
Ки буданд онжумлаги хӯрдадон.
Расулон расиданд ба наздики хон,
Кушода забони тазарруъ баён.
Ба мадҳи сано ифтитоҳи суҳан,
Намуданд ҳар як дар он анжуман.
Ки шоҳо, ту шоҳи-ю мо бандаем,
Зи кирдори худ саҳт шармандаем.
Ба расми таҳийят ба хони замон,
Намудандашон пешкаш молу жон.
Бигуфтанд ҳастем моён ғулом,
Ки бар остони дарат субҳу шом.
Тану жони моён фидои ту бод,
Ба чашмони мо хок пойи ту бод.
Ки як сар бувад тӯҳфаи дарғаҳат,
Тавони гирифтанд зи мо ҳарғаҳат.
Кунун рӯ ба дарғаҳат овардаем,
Сазад ҳар чи хоҳи ту бад кардаем.
Агар афв сози ту тақсири мо,
Ки мо бандагонем, ту мири мо.
Чи хизмат бифармои бо жон кунем,
Ризои ту ҳар чист мо он кунем.
Мураххас намои фақри кунем,
Ба фақру ғино гӯша гири кунем.
Ба кунжи қаноат қадам баспурем.
Бемирем ҳам бо фақирӣ мирем.
Чунин дод посух шаҳи комкор,

Ки аввал Мусулмонқулиро биёр.
Биёред он фитнажўйи лаим,
Ки арзи шумо ёғиён нашнавем.
Чу рафтед мо низ аз пай равем,
Ба қасди ҳалоки шумо дар шавем.
Бигирем дар зери тўпу туфанг,
Чу борон бирезем тиру хаданг.
Наёбед аз дасти моён нажот,
Акнун бимондед дар «кишти» мот.
Зи алтофи хон жумла навмед шуд,
Тараб рафту андуҳ жовид шуд.
Расулон бигаштанд ошуфтаҳол,
Ки тақрир додан аз он қилу қол.
Мусулмонқули ин ҳикоят шунид,
Ки ранг аз рухи бефурўғаш парид.
Баҳонаи таҳорат кунам гуфту рафт,
Дилаш зи он сухан сахт ошуфту рафт.
Ҳарифон чу диданд он фитнагар,
Гурезад агар кор афтад ба сар.
Гирифтанд дарҳол маҳкам чунон,
Ба пояш ниҳоданд банди гарон.
Бибастанду хаср ду дасташ ба пушт,
Заданд бар сари рўйи ў чанд мушт.
Ба дастури тўхфа биёвардашон,
Ба наздики султони соҳибқирон.
Ки ин аст дар мулки ту рахнагар,
Ки андохта дар жаҳон шўру шар.
Сазовори сад гуна ранж аст ин,
Ки подоши чандин шиканж аст ин.
Зи мо ҳар чи бигзашт ў шуд сабаб,
Ки лойиқ бемирад ба ранжу тааб.
Ба иғвои ў жумла гумраҳ шудем,
Ба тарғиби ў сахт обила шудем.
Кунун ихтиёраш ба дасти шумост,
Забуни шумо, зери дасти шумост.
Тамошо кун авзои абнои даҳр,
Ба аҳбоб аз аблаҳе дод заҳр.
Мусулмонқулиро ба ажзу ниёз,
Талаб доштанд рўзгори дароз.
Пайи нангу номус ин аблаҳон,
Суйи марг омад ба дориломон.
Зи жаҳл аз пай жустани ор шуд,
Каманди ажалро гирифтор шуд.
Фиканданд аз тангии қофия,
Чу Заҳхокашон дар гуҳовия.
Чунин аст ойини абнои даҳр,
Пайи меҳрашон нест бе дару қаҳр.
Ғалат гуфтам аз шумии феъли бад,
Сазовори сад лаън шуд то абад.
Биафтод аз вазъи ноқобилаш,
Чу Ҳорут андар чаҳи Бобилаш.
Бадон ҳол хон дид он шумро,
Сано гуфт Қаҳҳори Қайюмро.
Ва зи он баъд хурсанд шуд хони даҳр,
Фиристод он фитнагарро ба шаҳр.
Бифармуд ба Йўлчибек *додхоҳ*,
Ба Хўқанд ўро расон то пагоҳ.

Бубинанд то халқ шоди кунанд,
Зи беҳжат ба ҳар сў муннодий кунанд.
Кунун халқ аз фитна эмин шуданд,
Ки фориғ зи ашғоли тадфин шуданд.
Ба по ишкел андохт гардун савор,
Дар атрофи он аз ҳасираш ҳисор.
Ба шамшери лўхт лўлиён дар миён,
Гирифта шудандаш бадин сў равон.
Ҳама халқ баҳри тамошои ў,
Шуданд аз тамасхур ба изои ў.
Ба роҳаш зи қипчоқи бадхоҳро,
Фалокат зада умри кўтоҳро.
Ба ҳар жо ду-се кушта партофтанд,
Ба зажраш чунин маслаҳат ёфтанд.
Чу дар шаҳр дар ҳар сари кўча дид,
Тани куштае мардумони саид.
Дилаш зи он сабаб ончунон кард дард,
Кашид аз жигар баъд аз он охи сард.
Бафармудашон сохт нажжори чувт,
Яке чорпоя барояш дуруст.
Ба болои он тахтае рост кард,
Ки табъи замон ончи мехост кард.
Намуди зи наздику //218^б дураш чунон,
Чу шохе ки лаклак ниҳад ошиён.
Аробакаш оварда наздики сой,
Чу лаклак дар он ошиён дод жой.
Ниҳодаш ба занжир дар гарданаш,
Кашиданд рахту либос аз танаш.
Ки чанде зи бадхоҳ аз хеши ў,
Бикуштанд оварда дар пеши ў.
Ба таънаш забонҳо намуданд дароз,
Чу дандон шамшер сони гароз.
Бадин гуна нодиданҳо бидид,
Ба кирдори бад ончи шоист дид.
Ба ин саҳти-ю жон кани то ба шаб,
Биистод он кавкаби зу зунаб.
Пагоҳаш ки чун гармии бозор шуд,
Сараш сарфароз охир аз дор шуд.
[Эшит энди Пойтуқда қолган шохдан бир сўз,
Ҳам тирик қолган ул қамалдаги қипчоқлардан.
Не воқеа бўлганини ул ёмон қавмга,
Ҳар ғору ковакда бекинган итларга.
Қанчаси бўлса бир жойга йиғилганин,
Кенгашга нечук йўл топганин.
Ҳайвонлардек жонлари учун кўрқиб,
Сичқон инин қилдир ҳар бири макон.
Баҳром кинли хон дарранда шернинг,
Тулки овлаш учун пистирмада турганидек.
Қасдига тушди, билиб шунда ул одамлар,
Билишди хон ғзаби жаҳонга ўт солар.
Қўлга олмагунча қайтмас ҳеч изига,
Қипчоқлар қолишди бундан изтиробга.
Қолган-қутганлар кенгаш қурдилар,
Бир-бирига юрак сирларин дедилар.
Қачонгача бу янглиғ бош тортамиз,
Исломдан қачонгача бўйин товлаймиз.

Ўлсак ифлос исёнчидек ўламизми,
Залолат йўлида маҳкам тураммизми?
Ўзларича дедилар бу сифат сўзларни,
Бу ҳолда қайга бориб юзлансак,
Бекитишар бизга лутф эшигин бешак,
Шафқат-ла боқишмас биз томон ҳеч.
Не зулм этсак ўзимизга қилдик биз,
Ўзимизга саноксиз жафо қилдик биз.
Энди айбимиз узри учун вақт етди,
Ўз амиримизга бир хат битайлик.
Шояд бизга меҳрибонлик айласа,
Аслзода хондир, чин хонлик айласа.
Ёздилар юракни эзувчи бир ариза,
Хоқон хузурига айлаб ажзу ниёз.
Топширдилар донолар қўлига шу он,
Ки бариси эдилар билимдон, зукко.
Элчилар бордилар хоқон олдиға,
Тил очиб тавба-тазарру баёниға.
Ҳамду сано билан сўзни очдилар,
Қилди ҳар бири шу янглиғ ибтидо:
Эй шоҳ, сен шоҳсан, биз бандамиз,
Ўзи ишимиздан кўп шармандамиз.
Қутлов расми билан замон хониға,
Қилдилар молу жонини тухфа.
Дедилар: эрурмиз бизлар ғулом,
Эшиги бўсағасида тонгдан то шом.
Тану жонимиз сенга фидо бўлсин,
Кўзга хоки пойинг тўтиё бўлсин.
Боримиз тухфадир даргоҳингга,
Қачон истасанг олурсан уни биздан.
Мана эшингга юз тутиб келдик,
Не қилсанг арзир, биз ёмон қилдик.
Афв айласанг айбимизни,
Бандаларингмиз, сен амиримиз.
Не хизмат буюрсанг жон устиға,
Розилигинг учун не бўлса қилайлик.
Озод этсанг, фуқаролигинг қилайлик,
Бир бурчакда фақир бои яшайлик.
Қаноат бурчагига қадам босайлик,
Ўлсак ҳам фақиринг бўлиб ўлайлик.
Шундай жавоб берди комкор шоҳ:
Аввал Мусулмонқулини келтиринг.
Келтиринг у исён қўзғар лаънатини,
Бўлмаса сиз ёғийлар арзин эшитмасмиз.
Кетсангиз, кетингиздан биз ҳам тушгаймиз,
Ҳалокатингиз қасди учун отлангаймиз.
Қолдирамиз тўпу туфанг остида сизни,
Ёмғирдек ёғдирамиз ўқларимизни.
Дастимиздан топ олмассиз ҳеч нажот,
Эшитгингиз энди биздан нукул кишт, мот.
Хон лутфидан бариси ноумид бўлишди,
Қувонч кетди-ю, андуҳ мангу қолди.
Элчилар қайтишда синиқ кўнгил билан,
Сўзлаб бердилар барини шу тил билан.
Мусулмонқули эшитиб бу ҳикоятни,
Нурсиз рангидан ранги учди.
Таҳорат қилай, деган баҳонада кетди,

Дили ул сўздан қаттиқ қайғуда кетди.
Ҳарифлар кўрса ул фитначи айёр,
Қочиб қолғуси ҳаялланса сал-пал.
Ушладилар дарҳол тутиб маҳкам,
Оёғига солдилар оғир занжир шу дам.
Икки кўлини орқасидан боғлашди,
Юз-бошига бир неча мушт ташлашди.
Тухфа дастури билан келтирдилар,
Соҳибқирон султон олдига беомон.
Мулкингга раҳна солувчи ушбудир,
Жаҳонга ғавғо солган ушбудир.
Минг хил азобга лойиқ эрур бу,
Турлук уқубутга солса арзир бу.
Биздан не айб ўтса бу эрди сабаб,
Муносибдир ўлса чекиб не ранж.
Унинг иғвоси деб йўлдан адашдик,
Унинг гапи билан кўп овора бўлдик.
Энди ихтиёри Сизнинг кўлингизда,
Сизга эгар бош, кўл остингиздадир.
Томоша қил, замона аҳлининг ишини,
Аҳбобга бир аблаҳ кўлидан тутди заҳар.
Мусулмонқулини ожизлигу эҳтиёж ила,
Анча йиллар тутмоқчи эдилар.
Бу аблаҳларнинг ор-номусидан,
Ўлим сари келди омонлик уйига.
Жоҳилликдан эргашмоққа қилди ор,
Ажал камандига бўлди охир гирифтор.
Танг келганда аҳвол ташлашди,
Заҳҳок каби уни ҳам зиндонга.
Шундайдир даҳр аҳлининг қонуни,
Меҳрлари йўқдир қаҳру ғазабсиз.
Йўқ, хато дедим, у шум феълидан,
Минг лаънатга сазовор бўлди абад.
Ноқобил туруш-турмушидан у,
Тушди Ҳорутдек Бобил чоҳига.
Бу ҳолда хон кўриб ул шумни,
Қаҳрли қаюмга сано айтди.
Шундан сўнг хурсанд бўлди хон,
Юборди ул фитначини шаҳар сари.
Йўлчибек *додхоҳ*га буюрди,
Тонггача етказ уни Хўқандга деб.
Кўриб халқ шодлансин, ҳар томонга,
Хурсандликдан жар солишсин.
Энди халқ фитнадан тинчиди,
Дафн ишларидан озод бўлдилар.
Оёғига кишан солдилар,
Атрофини қалъадек ўраб олдилар.
Лўлилар яланғоч қилич билан ўртага олдилар,
Шу шаклда ул тараф бўлдилар равон.
Барча халқ Мусулмонқулни кўрайлик деб,
Масхаралаб устидан роса кулайлик деб.
Олдида ёмон ният *қипчоқ*ларни ҳам кўрдилар,
Фалокат урган, умри қисқа олчоқларни кўрдилар.
Ҳар ерга икки-учтаси бошин кесиб отар эдилар,
Азоб бериш учун шу йўлни ўйлаб топгандилар.
Шаҳарда ҳар кўча бошида ўлик танларни,

Кўрар эди бахтиёр халқ,
Мусулмокул дилига бундан оғир дард тушди,
Шундан сўнг совуқ бир оҳ чекди жигардан.
Буюрдилар чакқон дурадгорга,
Яса деб унинг учун бир чорпоя.
Ул тахта устига турғизиб қўйишди,
Замон истаги не эрса, шуни қилишди.
Атрофини эса шох-шабба ила ўрадилар,
Гўё лайлак инидек уя ясаб турдилар.
Аравакаш келтириб сой ёнига,
Лайлакка ўхшатиб шу уяга солишди.
Занжир солдилар бўйнига,
Танидан ечдилар либос, кўйлагин.
Қариндошидан бир неча шумни,
Ўлдирдилар келтириб олдиға.
Таънаси учун қанча сўкиш бўлса, деб яйрадилар,
Ғазабдан шамширдек тишларин ҳам қайрадилар.
Шундай кўргуликларни кўрди Мусулмонкул,
Ёмон қилиғига яраша не бўлса кўрди ул.
Шу қийинчилик ва жон бериш билан то кечгача,
Турди гуноҳларга тўла ул кавкаб.
Эртасига бозор қизиган кун эди,
Боши дор туфайли баланд бўлди].

Уч кун давомида шу зайл эрта тонгдан то шом қорайгунча тахта устида жаҳон томошабинларига бу каби даҳшатли ўйинларни намойиш этдилар. Кечалари эса Мусулмонқулини Ўрдага келтириб, қоронғу бир хонада ибодат бурчагига ўтқазиб қўярдилар. Нафсиламрини айтганда, бу марди мардона ва шери фарзона маслаҳат соҳиби бўлмиш вазир қўлини ато ва ҳиммат учун очган ҳамда жаҳон олишлик тадбири, душманни куйдириш борасида етук саъй-ҳаракатлар қилганди. Начора. Якшанба куни муҳаррам ойининг ўн тўққизида, Сичқон йили сана 1268 йилда¹⁹³² қўй бозорида дорга осдилар. Умри қариб олтмиш ёшга етиб, вазирлик мансабидаги ҳукумати ўн йил бўлди. Қурдирган биноларидан Янги юқори бозор, мадрасаи олий ва закотхона саройи ёдгор қолди. Яна шаҳарнинг Намангон йўли устидаги шахсий уйи ҳам шу жумладандир. Сайхун дарёсидан катта бир анҳор қаздириб келтирган эди. Баноканд шаҳри қурилиши эса ниҳоясига етмай қолди. Сипоҳ аҳли ва халқни ўзига оғдириш сиёсати кучли бўлиб, унинг шижоат ва ғайрати сабабли одамлар беҳуда ишларга қўл урмас, ёмон феълли душманлар шафқатсизлигидан кўрқиб, бирон қилиқ қилиш учун журъат қадамларини олдинга ташлай олмасдилар. Давлат бошқариш ва юрт иқтисоди масаласида жуда эҳтиёткорлик қиларди. Унинг бу ишлари халқ назарида қаттиқ қўллик ва зулм тааддиси бўлиб кўринарди. Шу сабабли кўпчилик халқ ўз норозилигини изҳор этган бўлиб, шу тобда уни қарғашдан бўшамасди ва қўллари-ю тилларидан нима ёмон иш, сўз келса, дариф тутмасдилар.

Шаҳарнинг кўзга кўринган кишиларидан бири саналган Мирзо Ғафурбой мунший замонага боқиб, ушбу таърихни Мусулмонқулининг дорга осилгани борасида назм ипиға тизган эди. **Таърих:**

Мусулмонкул он золими бе диёнат,
Ба чандин уқубат гирифтор гардид.
Зи афъоли атвори мазмуми шумаш,
Сараш аз хижолат нагунсор гардид.
Зи бас буд он золим жавр пеша,
Зи жавраш ҳама олам безор гардид.
Чу иблиси //219^a бадном то рўзи маҳшар,
Ба нафрини лаънат сазовор гардид.
Кирдори бад ҳамчу дуздони раҳзан,
Ба танаш бин, ки шоистаи дор гардид.
Надида хирад ҳарфи сидқ аз каломаш,
Чунин гуфт ба таърих «хунхор гардид».
Чу ғаддори дин буд он шум бадбахт,

¹⁹³² 1852 йил 14 ноябрь. Муаллиф бу воқеа санасида хато қилмоқда. Мусулмонқули 1853 йили 22 октябрь қатл этилган – таржимон.

Ки таърих ҳам «дин ғаддор» гардид¹⁹³³.
 [Мусулмонкул ул диёнатсиз золим,
 Неча бир уқубатга гирифтор бўлди.
 Ўзининг паст атворли феълидан,
 Боши хижолат ила ерга эгилди.
 Ул золимнинг жабр кўплиги сабаб,
 Жавридан бутун олам безор бўлди.
 Бадном Иблисдек то қиёматгача,
 Лаънатли нафратга сазовор бўлди.
 Йўлтўсар қароқчидек ёмон қилиқнинг,
 Гавдасини кўр, дорга муносиб тушди.
 Гапидан ақл садоқат сўзин эшитмай,
 Таърихига деди: «қон ичар бўлди».
 Дин ғаддори бўлгани учун ул шум,
 Таърихи ҳам «дин ғаддори» бўлди].

Амири валинаъми ҳам тинч кўнгил ва хотиржамлик билан вилоятнинг ён-теварагини ёғийларнинг тикан ва хашакидан тозалаб, душманни бирёқлик қилиб, қайтиб келдилар ва фатҳу зафарга ёр, хайрия осор ҳумоюнӣ давлат билан Ўрдага тушди. *Қипчоқ* катталари ишонч юзасидан кўлини «ватанпарварлик» этагига уриб келган эдилар. Уларни ҳар бир вилоятга ўн-ўн бештадан қилиб тарқатиб юбориб, ҳар замонда бул *қипчоқ*ларни ўлдирмоқ учун ҳар бири номига ўта таҳдид аралаш хатлар юбориб турди. Ҳар вилоят ҳокимига хат етиши билан ул мусулмонларнинг оғир бошини танасидан енгиллатиб, йўқлик йўлига солиб юборардилар. Шу ишлар асносида бир нечалар ул қавмга жабр қилиб, қаер ва қайси вилоятнинг қай бурчагида бўлса ўлдирдилар. Ўлдирилганлар сони бора-бора санок доирасига сиғмас даражага етди. Хусусан, Балиқчи ҳокими Абдулқаҳҳор *додхоҳ* қанчаларни ўлдириб, бир кечада бир минг беш юздан зиёд *қипчоқ* ўлигини дарёга ташлади. Қиличдан омон қолганлари ҳар бир бурчақда бекиниб, тоғу ғорларда яшириниб, кўпчилиги очлик ва сувсизликдан ўлиб кетишди. *Қипчоқ*лар умрини шу зайл қийинчилик ва сарсону-саргардон ва хайрону қарахтлик билан ўтказардилар. Фарзандлари ва аёллари кўчама-кўча юриб, дарбадарлик қилишарди Ул бечораларга бирон паноҳ беришга ҳадди сиғадиган бирор одам топилмасди. Шу тарика қишни ўтказиб, ҳар бири ўз бечоралигига бирон чора излаб, дехқончилик ва чоракорлик ишларига ёлланиб кетдилар. Шунга қарамай вақти-вақти ва фурасат-фурсати билан озгина уриниш натижасида қолган-қутган *қипчоқ*ларга ҳам ўлим шарбатини ичириб турдилар. Етти йил мобайнида бу ҳол шу тарика давом этди. *Қипчоқ*лар куни эса фақат шу янглиғ кечди. Маллахоннинг офтоби шарафи балқиб чиқиб, нурафшонлик бахш этгачгина, яна янги бошдан отланиб, Маллахонга кўшилдилар ва бу хон ёнидан жой олдилар.

Амир Худдоёрхон валинаъмининг Хўқанди латиф салтанатида мустақил ҳукумат қилиш шарафига етишгани зикри

Иншо тизимининг муншийларига бекитиқча қолмасинким, исми улуғ ҳазрат, яъни асбоблар сабабчиси бўлмиш худованд ўз иродати бўйича ҳар бир ҳодисанинг юзага чиқиши ва ҳар воқеа рўй беришини бирор вужуди воситаси қилиб, унинг ўзига олиб тақайди. **Байт:**

Дар тамоми офариниш пеши ҳар к-ў оқил аст,
 Ҳеч бе ҳикмат набошад гарчи қудрат комил аст.
 [Барча яратилганлар олдида агар у оқил бўлса,
 Комил қудратдан эрса-да ҳикматсиз эмасдир].

//219^б Барча кўплик иши фақат бирлик воситаси билан тўғрилиқ топади, агар шу бирлик кўпликни бир ерга йиғмаса тартибу назм деган сўз бўлмас эди. Шу жумладан инсон гавдасининг пойтахти аҳволининг тартиби ўзи бир кичик олам бўлиб, унинг борлиғи ёлғиз жонга боғлиқдир. Шунинг нури бўлмаса, вужуд ободлигига оид ишлардан ҳеч бири тўғрилиқ топмайди. Мазкур дастурга кўра катта олам йиғноқининг бир ерда мустаҳкам қарор топиши тенгсиз Подшоҳ иродаси ёки мамлакат ишларининг тартиб-низомии юрт эгасининг сиёсат кўлисиз давомли бўла олмайди. Акс ҳолда унинг меъёри издан чиқиш билан тугайди. Маълумки, табиий нафс тадбири инсоний ва ҳайвоний хислатларнинг маромига қараб бўлиб, қай бири устунлик қилса, унинг натижаси ҳам

¹⁹³³ Тарих 1269/1853 йилни беради.

адолат ёки зулм каби амаллар билан якун топади. Баданда қабихлик хислати бўлса, унинг аҳволида тўғрилиқ йўли кўринмайди. Яхши ўй амалда рўёбга чиқмаса, адолат меъёри бузилиб, тўғрилиқ ва саломатлик либосидан маҳрум қолади, аъмол моли фасод ва бузилиш сари юз тутаяди. Шу тариқа агар бирор мамлакат малики ёки бирор вилоят волийси адл ва тўғрилиқнинг «сиротул мустақим»идан чекинса ва шайтоннинг ифвоси ғурури билан ёғийликнинг исён-туғёни кўчаси ва душманлик йўлидан юрса ҳар ойина давлати юлдузи гуноҳ пастлиги сари инади ва носавоб кирдори ёмонлигидан мулку мамлақати бахтсизлик маконига айланади. Бунга ўхшаш мисол *қипчоқлар* аҳволида намоён бўлиб, ўша давру замонда улардан ёмон афъол ва ёқмас ҳаракатлар юзага чиқди, натижада юқорида айтиб ўтганимиз мудҳиш воқеалар рўй берди ва шу сабабли хон валинаъмининг ғазаб ва қаҳр олови шўълаланди. Бунинг давоми сифатидаги яна ҳам даҳшатлироқ ишлар Дай фаслининг тийрамоҳида ҳам улар ҳаққида аъмолларига жавоб тариқасида юзага чиқди. **Назм:**

Шаҳаншоҳро хуби аз доди ўст,
Паноҳи худо эмин ободи ўст.
Шаҳ аз доди худ гар пушаймон шавад,
Вилоят зи бедод вайрон шавад.
[Шоҳга ярашиқли иш унинг арз-дод сўрашидир,
Худо паноҳи унинг тинч мамлақатидир.
Шоҳ ўз адолатидан юз ўгирса,
Вилоят бу бедодликдан вайрон бўлади.

Ҳалиги воқеа рўй бергандан сўнг Амири валинаъми ҳаққида қудратли ва буюк Эгамнинг буйруғи амалга ошиб, душманларни оёқ остида поймол қилган кўйи илоҳий зафар ва ғалаба билан орқага қайтдилар ва Ўратепа мамлақатини отаси юз уруғидан, онаси эса асли паст масчойи бўлмиш Абдуғаффорбекка бериб юбордилар. Маллабекнинг бошини эса Тошканд вилояти билан сийладилар. Марғинон шаҳрини укалари Султон Муродбекка бердилар. Тўрақўрғон ҳукумати Сўфибекка тааллуқ топди. Андижонни номурод Исобекка //220^a топширдилар. Ҳар бир вилоятга бир амалдор ва ҳар бир музофотга бир *кутвол*¹⁹³⁴ тайин қилдилар. Шундан сўнг осойишталик орзусига тушиб, бир неча кун истироҳат қилмоқ ниятини кўнглига тугди. **Маснавий:**

Чу давлат атоест аз кирдигор,
Наояд зи бисёр на хайли кор.
Зи тадбир давлат наояд ба даст,
Зи тақдир дон дар жаҳон ҳар чи ҳаст.
Худо дар жаҳон ҳар чи тақдир кард,
Ба тадбир натавонаш тағйир кард.
[Давлат худодан бир ато бўлгани учун,
Ҳаммининг ҳам қўлидан иш келавермайди.
Тадбир-чора билан давлат қўлга кирмайди,
Жаҳонда нима бўлса тақдирдан бил.
Худа жаҳонда нимани тақдир қилган бўлса,
Тадбир билан ўзгартириб бўлмайди.

Шу аҳвол асносида озгина тинчликдан сўнг Абдуғаффорбек кўрнамак машриқ зиёси толеи балқишидан мағрибнинг зулумот пастлигига иниб, бевафолик йўлини айниш майдони бўйлаб солди. Унинг устига акаси Маллабек мурувватсизлик нафасини давлатсизлик туғёни гавдасидан чиқариб, ёмон афъоли ва ёқмас ҳаракот билан журъат қадамини олдга ташлаган кўйи Кировчи қалъаси устига бостириб бориб, унинг қамалига киришди ва Маллабекнинг бу ёмон иши баробарида у ёқларда неча минг ўрус ва қазоқ душманлик ва нифоқ юзасидан Оқ масжид муҳосирасига киришиб, ўша ерда қўш ташладилар. Булар ҳақидаги кетма-кет шум хабарлар амир Худоёрхон валинаъми қулоғига етишиб, хотиржамлиги бузилди ва валинаъмининг қаҳру ғазаб олови машъалавор аланга олиб, ёз фасли бошида ғалаба аломатли аскар йиғилиши борасида бажарилиши шарт бўлган фармон чиқди. Хонлар ва корогоҳ сипоҳ осмон интибоҳли даргоҳга йиғилгач, сафар асбоби ва лашкарга лозим ашёлар уруш учун саранжом топди. Фалакка етар оёқлар саодатга уланувчи узангиларга қўйилиб, кутлуғ байроқ Ўратепа томон ҳаракатга келди. Йўл юриш асносида қўш ташлаш учун муносиб жой саналмиш Маҳрам қишлоғи мавзесида чодир ва саропардаларни барпо қилиб қуриб, салтанат иззати билан ўтирган эдилар, ул аснода Маллабек жаноблари томонидан Кўр Қўлдош номли киши бир неча нафар билан бирга элчиликка келиб, элчилик вазифаси мазмунини Худоёрхон жаноб олийлари арзига етказди. Паёмдан сўнг ва хатни мутолаа қилгач, амир қаттиқ хафа бўлиб, Кўр Қўлдошнинг калласини

¹⁹³⁴ Кутвол – қалъабег, комендант.

шу мажлисдаёқ танасидан жудо қилди. Қолганларини занжир қайди асирлигига солиб, тез учар от жиловини Тошканд томонга бурдилар. Хўжанд дарёсидан ўтиб //220^b Қурама йўлига кирдилар. Бу кўрқинч аломатли хабар Маллабекнинг ашраф қулоғига етишгач, Кировчи қалъаси устидан орқага қайтиб, Тошканд йўли билан йўналиш жиловини бурди ва анча масофаларни босиб ўтгач, Тошкандга кириб, ҳар томондан қалъа истехкоми ишига киришди. Амир Худоёрхон валинаъми манзилма-манзил йўлларни босиб ўтиб, Кировчи қалъасига етди. Музофот қалъабегилари тортук ва пешкаш билан келиб, мансабларига қараб ўз пешкашларини хон назаридан ўтказиб, мартабаларига қараб хусравоний марҳаматлар билан сарафроз бўлдилар. Ўша ерда жаҳон олувчи подшоҳ талаб қилиб, Маллабекнинг тўпорлик ва манманлик билан қилаётган бу ўринсиз даъволарини ваъз ва насиҳатларда халққа тушинтирилиб, уларни тўғри йўлдан ҳидоят қилишга чорлади. Шунга кўра хон билимдонлик девонининг муншийсига акаси Маллабекка ойдин ақл раҳбар бўлиши лозимлиги ҳақидаги итоб насиҳатномасини ёзиб юбориш борасида фармон берди. Бекордан ҳукумат нашаси ва ғурур зиёдлиги, лашкару сипоҳ кўплигига орқа қилмай, тўғрилиқ ва етуклик юзини салоҳият йўли сари қаратсин. Бу онларда гердайиш эмас, юрт иши ва миллат тинчлиги учун хушёрлик лозимдир, қабитлидаги таъкидларни қилди. Пири фозил мавлоно Муҳаммад Ражаб *мунший* бу фармонни ижро этиш мақсадида латофат чехрали мушк сочувчи қаламни қўлига олиб, китобат бошини ҳазрат парвардигорга ҳамд ва сипос, ҳазрат саййиди аброр наътдаги саловот сўзлари ва улуғ чорёри босафо асҳоблар номи билан беади. Ва бир хатни кўрнамак Абдулғаффорбек учун Ўратепа вилоятига юбордилар. **Байт:**

Сар номае кард офарин худой,
Ки ў дастгир ба ҳар ду сарой.
Санои худро ба рои заррин,
Дуруди наби сохт наъм ул-қарин.
Ва аз он пас рақам зад ба килки хунар,
Суханҳо ки бар жон зади нештар.
Хитобе саросар итобу ситез,
Чу теҒе бурро олмоси кин карда тез.
[Нома бошини Худога ҳамд-ла беади,
Ки икки жаҳонда Ул эрур мададкор.
Ўз саносин олтиндек ақли билан,
Набига салом сифатида юборди.
Шундан санъат қалами билан ёзди,
Жонга наштар урувчи сўзларни.
Бошдан-оёқ итобу даҳшат қоришиқ хитобин,
Гўё кескир қилич кин олмосини ўткирлаган эди.

Мунший хон сўзларинга «рахамаллоҳ амара арафа қадроху ва лам йутаъиду» буйруғи мазмунини асос ва пойдевор қилиб, унинг устқурмасига шуларни битган эди: Худой ўз бандасига раҳмат қиларкан, бунинг учун ул банда ўз қадр ва ўрнини билгай, оёғини ўз ҳаддидан ташқари кўймагай. Бугун хон ҳазрат ҳукмига кўра муҳолиф мамлакатларининг тасарруфимиз остига киришига оз қолиб турибди ва ер юзининг барча майдони бизнинг фармонимиз остидаги давлат оти жилвагоҳи бўлғай. Насиҳатга кўра ўшаниси яхшироқким, бирор киши бажариб бўлмас маҳол савдони тубанлик ғурурига суяниб, журъат ва жасорат кемасининг елканини кенг ёзмагай, аксинча уни йиғиштириб, лангарни чуқур ташлаб, //221^a ўзини денгиз тўфони ҳалокатидан асрагай. Шу йўл билан соҳилга омон чиқиб, давлат денгиз талотўмидан қутулгай ва балову меҳнат денгизи қаърига чўкмагай. Бундай уқубатларга ғарқ бўлмаслик учун ҳеч қачон ва зинҳору минг зинҳор тушинишнинг итоат оёғини ўз қадр поясидан юқори ташламагай. Бу ҳикмат ушбу айёмда сенга ҳам таалуқлидир.

Байт:

Ки бар хуни худ турктози куни,
Бо оташ ошно боши-ю бози куни.
Чаро ҳадди худро надори нигоҳ,
Макун чехраи бахти худро сиёҳ.
Ниҳи пой зи андозаи худ барун,
Ки рафти ба чоҳи бало сарнагун.
[Нега ўз қонинг сари босқин қиласан,
Олов билан ошнолик ва ўйин қиласан.
Нега ўз ҳаддингни билмайсен,

Ўз бахтинг юзини қора қилма,
Ўз ҳаддингдан оёғингни ташқари чиқарсанг,
Бало жарига қулашинг мумкинлигини ҳам бил.

Бундан кейин ғурур қадами билан бўлмағур иш ёнида уймалашма ва ботил тасаввур билан совуқ темирга болға урма.

Маснавий:

Макун ончи ҳаргиз накардаст кас,
Бадин раҳнамуни ту дев асту бас.
Чи савдои хом аст охир туро,
Само аз кужо, офтоб аз кужо.
Агар пашшаро тоби анқо буд,
Сазад гар туро камина бо мо буд.
Кабутар ки паҳлў занад бо итоб,
Ба қасди сари хеш дорад шитоб.
Ба дасти худ а-р нест паййи хирад,
Мазан теша аз жаҳл бар пои худ.
Ончи ҳақ хост додам пайём,
Ту дони-ю тадбири худ вассалом.
[Бошқалар сира қилмаган ишни сен ҳам қилма,
Бу йўлда сенга шайтон йўлбошчилик қилмоқда.
Нега бошингда бу хом савдо хаёли жой олди,
Осмон қайда-ю, қуёш қайда.
Агар пашшада Анқога қаршилиқ қудрати бўлса,
Майли, сен ҳам биз бизга қарши чиқавер.
Каптар тез ҳаракат билан ён томонга ташланар экан,
Бунда у бошининг барбод бўлишини ўйламайди.
Агар ақлинг ўз қўлингда эмас экан,
Бу ақлсизлик билан ўзинг ўтирган шохга болта урма.
Сенга ҳақ гапларни айтиб хабар юбормоқдаман,
Энди ўз қиладиган ишингни ўзинг биласан, вассалом].

Абдуғаффорбек кўрнамак номани ўқиб, бу оқилона панд-насихатга йўғрилган гапларни қабул қилмагани сабабли яна бир мактуб хон муҳридан олий шараф топиб, Маллабек номига битилди ва ишбилармон бир одам орқали Маллабек олдига юборилди. Чопар тез чакнар чиқмоқдан ҳам тез чопиб, Тошканд сари кетди. Манзил-мақсадга етгач, элчилик расмини бажо келтирди. Хом хаёллик касалининг моддаси Маллабек димоғида хат орқали даъват билан таъсир қилиб бўлмайдиган даражада кўп бўлиб, айтар гапини англамаслик мақомига етган эди ва жаҳолат юзасидан тилига ушбу жумлаларни келтирди.

Байт:

Бубинам то даври гарди он сипехр,
Киро асбе бар орад зи пастий ба мехр.
Ва ё гардиши чархи нопойдор,
Киро гард хоҳад дар ин кор хор.
[Кўрайчи, ул чарх айланиши,
Кимни отга миндирар экан.
Ё беқарор фалак айланиши,
Кимни бу ишда хокка айлантириб, қилар хор].

Элчилар Тошканддан бу янглиғ жавоб билан қайтиб, олампаҳо даргоҳга келдилар ва Маллабекнинг тўғрилиқдан узоқ жавоби не бўлган эрса, шуларни Амири валинаъми арзига етказдилар. Буларни эшитиб подшоҳона ғазаб шўъласи аланга олди ва қаҳр қаҳрамони ул худудга бормоқ байроғини ҳилпиратди. Тошканднинг мўътабар қасабаларидан бири бўлган Тўйтепага келиб тушиб, у ерни фалак юзини рашқдан ёндирувчи равишда ҳумоюн мавкабнинг қароргоҳига айлантирдилар. Яширин қолмасиким, бу воқеа асносида осий табиат кудуратидан хатарли хато рўй берган эди. Бунинг баёни шундоғким, хон ҳазрат хоқонлик юрушига киришишдан олдин Қосим¹⁹³⁵ мингбошини неча минг жаррор лашкар билан бирга ул кўрнамак Абдуғаффорбек ғаддор устига

¹⁹³⁵ Қосим мингбоши – 1277/1860-61 йили афот этган. Закотчи, ботурбоши (Тошкентда), додхоҳ, амири ашкар ва мингбоши унвонларини олган. Кейинчалик Бухоро амирлигига кетиб, амир Насруллоҳ ва амир Музаффарларга хизмат қилган.

юборган эдилар. Ул шижоатли сипоҳсолор ҳиммат //221^b билан нобакор Абдуғаффорни тор-мор қилиш келтириш ниятида Ўратепа устига етишди. Ул мағрур лаънати, аҳмоқ табиатли эса ғалчалик жаҳлу жаҳолатидан Қосим *мингбошининг* зафар асар лашкарини оз билиб, Ўратепа ва ўз музофотлари лашкарини йиғиб, ҳеч тап тортмасдан Қосим *мингбоши* лашкари қаршисига чиқиб саф тизди. Қаҳрамон шиорли ва довруқ таратган номли *мингбоши* эса уларни писанд ҳам қилмай, биринчи ҳамладаёқ бурунларини ерга ишқаб, душманни яраланган ва янчилган ҳолда қалъанинг дарвозаси тешигидан ичкари киритиб юборди. Ва қалъа қамалига киришиб тўпу туфанг остига олганча шундай танг аҳволга солдики, хабар ровийларининг гапига қараганда, агар икки-уч кун шу ҳолда турса, қалъа фатҳи кўнгилдаги суратда осонлик билан муяссар бўларди. Аммо *мингбоши* кўлига тезда қайтиб, ҳумон мавқабга келишлари борасидаги хатлар кела бошлади. Қосим *мингбоши* юрагида минг армон билан афсус-надомат кўлини ҳасрат тиззасига урган кўйи орқага қайтди ва шарафли бир соатда Хўжандга етиб, қўл ўпиш шарафига мушарраф бўлди. Бундан фойдаланган душман ўз қаддини яхшигина тиклаб олди. **Байт:**

Баланд иқболии душман бало бувад,
Ва гарна Куҳкан мардонаги на кард?
[Душманнинг баланд иқболлиги бало бўлур,
Йўқса Фарҳод мардоналиклар қилмаган эдими?

Асл мақсадга қайтайлик. Алқисса амири валинаъмининг етишгани хабарини эшитган Маллабек ул ҳудуднинг барча қалъа-ю работларини сақлаш ва муҳофаза қилишни ўз иқтидори доирасидан ташқари кўриб, шу сабабли фақат Тошканд қалъасига кириш ва чиқиш жойларини мустаҳкамлашга киришиб, шу шаҳардагина душманга қарши оёғини қаттиқ тираб туришни маъқул кўрди. . Бу хабар хонга етгач, бу ҳолни ғайбдан келган бахт ва илоҳдан етган ғамхўрлик сифатида билиб, «унинг бу шаҳарда тўхташи ишни биз учун бир қадар бизга осон қилди» деди. Шунга кўра, Тўйтепадан тезлик қанотини қоқиб, давлат байроғи ва ғалаба туғини Тошканд шаҳри сари ҳаракатга келтириб, кўп ўтмай Тошканд атрофини буюклик чодирлари тикиладиган жойга айлантди. Бир нечта музокарадан сўнг Маллабек жалодат оёғини шижоат узангисига кўйиб, ўта кетган ғурур билан неча минг отлик ва пиёда ҳамроҳлигида шаҳардан ташқарига отилиб чиқиб, сафларни тўғирлашга машғул бўлди. Шоҳ Амири валинаъми бу ишни ғалаба нишони ва ва яхшилиқ аломатига йўйиб, давлат байроғи остидаги сипоҳ билан от жilовини ул беандиша лашкар устига қуйиб, хас-хашакка учкун тушгани каби душманга ёпиша кетди. **Маснавий:**

Бар омад чунон гард аз размгоҳ,
Ки бинамуд моҳий ва бинҳуфт моҳ.
Жон дар ҳаво, пардае шуд ғубор,
К-зи он сабз ва лола рўяд баҳор.
Дар омад ба банди камаргоҳ даст,
Камар бо кас аст //222^a камаргаҳ шикаст.
[Жанг майдонидан шундай чанг кўтарилдики,
Ер остидаги балиқ кўринди-ю, ойнинг юзи тутилди.
Жонлар ҳавога учди, парда бўлди ғубор,
Гўё бундан ўт-ўлан, лола чиқиб бўлганди баҳор.
Кимнинг белига қўл етиб борса,
Бу белга энди камар боғлаб бўлмасди.

Хуллас, икки тараф баҳодирларининг ҳамлалари учқунидан уруш олови туташиб, шундай уруш-саваш барпо қилдиларки, фалак томошабинлари уларнинг қўл ва билакларига офарин ва таҳсинлар айтишарди. Ниҳоят меҳнат чанги Маллабекнинг давлат кўзига сочилиб, бирданига оти жilовини орқага буриб, қалъага етгунча қочиш асарли лашкаридан катта бир тўпи қаҳр денгизига ғарқ бўлишди. Маллабек айрим кишилари билан бирга ўз ёғига ўзи қоврилиб, шаҳарнинг нариги бетидан дашт йўлига чиқди ва «Бас Аллоҳнинг изни билан уларни енгдилар»¹⁹³⁶ мазмуни унинг васфи ҳоли бўлиб «орқаларига бурилиб қочурлар»¹⁹³⁷ ҳикмати бўйича янчилиб ва эзилган кўйи қайтиб яна Бухоро томонга бадар кетди.

Маснавий:

Касеро ки ёрий зи Яздон бувад,
Бар у кори душвор осон бувад.

¹⁹³⁶ Қуръони карим, 2:251.

¹⁹³⁷ Қуръони карим, 17:46.

Чу ёрий расад бандаро аз илах,
Канад кухро аз замин ҳамчу коҳ.
[Кимга Худонинг ёрдами бўлса,
Унга қийин ишлар ҳам осон бўлади.
Илоҳдан бандага кўмак келса,
Тоғни ердаги сомонни кўтаргандек кўпора олади.

Бу ғариба воқеалар ва ажиба хангомалардан сўнг ҳазрат соҳибқиронийнинг раббоний илҳомлар макони ва субҳоний тақдир намоийишгоҳи бўлмиш аъло кўнгли ва нурли ақли замон кудуротидан ва даврон ҳаводисотидан барқарорлик топди. Ён-атроф ва музофот теварагини имкон борича саранжом қилиб, *қирғиз* ва *қозоқ* улуси қабиласининг пешкаш ва тортуқларини олиб, Тошканд ҳукуматини Шодмонхўжага бахшида қилиб қайтди.

Шу воқеалар асносида қирқ кунгача, балки ундан кўпроқ вақт давомида Ўрус кофирлари Оқ масжидни қамал қилиб, бир неча марта қалъага югуриш ва ердан лаҳм қовлаш усуллари каби уруш хийла ва найранларини қўлласа ҳам фойдаси бўлмай, эътиқоди кучли ғозийлар ожизлик эҳтиёжи бошини эҳтиёжсиз ҳазрат бўлмиш Аллоҳи таоло даргоҳи сари қаратиб, бола-чақа, хотин-халажлари билан бирга ўзларини астойдил ҳимоя қилган кўйи қайтариш зарби билан ул нобоблар ҳамласини қайтариб турдилар. Аммо кундан-кунга кофирларнинг кўп сони яна ҳам кўпайиб, чексизлиги ҳаддан зиёд ортиб борар ва Оқ масжид ғозийлари ҳоли эса тушкунлик гирдоби сари қуйи иниб, ночорлашиб борарди. Шу жиҳатдан ул қаҳрамонлар юз бора, минг бора аҳвол қийинчилиги ва ҳол шикасталиги ҳақидаги арзадоштларини хонга ёзиб юборардилар. Бу ёқда эса икки ака-ука бир-бири билан урушиб ётар, бу ёқалашини асносида ул дармондаларнинг ҳолига қарайдиган бирор киши топилмас эди. Ниҳоят, куфр аҳлининг зўрлиги натижасида Оқ масжид қалъасини душманлар босиб олиб, ҳимматли ғозилар хотину бола-чақаси билан бирга кўча жангларига киришиб, ҳар қайсиниси икки ёки уч-тўрт нафар кофирни ер ости дўзахига юборган кўйи ўзлари ҳам шаҳидлик даражасига етардилар¹⁹³⁸. «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва алббата биз у зотга қайтгувчилармиз»¹⁹³⁹.

Бу борада Эшон қори Қундузий Оқ масжид ҳокимнинг қалъа аҳолиси билан бирга ёмон мазҳабли мушриклар кўлида шаҳодат //222^б топгани таърихини назм ипига тизганди.

Таърих:

Қазоро (қавми қипчоқ) наски нодон саҳроий,
Ки шуд бар мулки Фарғона мусаллат кофирон кам-кам.
Шуда берун зи мулки Ўрус карданд Оқ масжидро,
Ба зарби тўп вайрон то ки аҳли ў аз ин олам.
Бар оварданд аз хуни шаҳодат сўрхрў карда,
Биной қалъаи дигар дар он жо карда мустаҳкам.
Нишастанд аз пайи тасхир ин иқлим омода,
Намуда олату асбоб ҳарб аз бас шарм мулҳам.
Пайи таърих Комий «лашқари куффор бигрифта,
«Ҳисори Оқ масжидро ки месўзад жаҳон» гўям.
[Тақдирдан бўлиб, нодон саҳроийлар,
Кам-кам Фарғони мулкани эгаллашди.
Ўруслар келиб ўз юртидан,
Оқ масжидни тўп зарби билан вайрон қилишди.
Унинг аҳолиси эса шаҳидлик қони билан оламда ном қозонди.
Шу жойда яна бир мустаҳкам қалъа қуришди,
Унга келиб, бу ўлкани оламан деб ўтиришди.
Уялмай уруш қурол-аслаҳасани роса жамлашди,
Комий, бунинг таърихида «кофир лашқари
Оқ масжидни олиб, жаҳонни куйдирар» дейман.

Яширин қолмасинким, «лашқари куффор» ва «Ҳисори Оқ масжид» ибораларининг бири таърих моддаси бўлиб, «жаҳон» лафзи исқотига ишора қилингани сабабли бу ерда бир минг икки юз олтимиш саккиз(1268/1851-52) ҳосил бўлади.

¹⁹³⁸ Оқ масжид босиб олганда (28 июль 1853 йил) гарнизонидаги 300 аскар, 83 нафар аёл ва 65 боладан, 226 та эркак, тўртта аёл ва 2 нафар бола ҳалок бўлиб, 35 нафар эркак, еттида аёл ва 10 бола яраланган. Рус босқинчилардан эса 34 нафар ҳалок ва 130 нафар эса ярадор бўлишган. Қаранг: Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Том I. – Спб., 1906. – С. 225-227.

¹⁹³⁹ Қуръони карим, 2:156.

Ва Ёрус кофирлари қўлига Оқ масжид шаҳри билан бирга унга қарашли туманлар ҳам кирди. Натижада Фарғона давлати подшоҳлик хазинасига тушувчи неча минг тиллолик тушумдан шундай осонликча маҳрум бўлиб қолди. **Байт:**

Чу бар дил шикаст ояд аз рўзгор,
 Шавад кори ҳар зарра ноустувор.
 Чу бо заъфи толе фитад кори кас,
 Нахустин мудаво ниҳад пой бас.
 [Замонадан дилга синиклик етса,
 Ҳар бир зарра заиф ҳолга тушади.
 Кимнинг иши толе заифлиги сари юз тутса,
 Биринчи оғирлик унинг оёғига тушади.

Алқисса Амири валинаъми хушхиром тавсан оти жиловини феруз фатҳ ва нусрати беҳруз маром билан орқага буриб, йўлга чиққанча Хўжанд томонга равона бўлди. Анча йўлларни босиб ўтгач, Хўжандга кириб, шу ерда қўш ташлади. У ерда бироз дам олгач, кўрнамакларга танбех бериш ва душманлар бошини янчишни ихтиёр қилиб, Ўратепа томонга йўналди. **Байт:**

Касеро ки сайд афкани пеша шуд,
 Ба канд овари *шаҳнаи* беша шуд.
 Чу талқини сайд афкани гўш кард,
 Ҳунарҳои дигар фаромўш кард.
 Уқобе ки сайд афкани пеша сохт,
 Ба ночор бояд ба ҳар беша тохт.
 [Кимга ов қилиш касб бўлса,
 Ва у тўқайга бошлиқ бўлса.
 Шикор нағмасини эшитишга ўрганса,
 Бошқа касб-ҳунарларни унутиши аниқ.
 Шикорни касб қилган бургут,
 Ўзини дуч келган тўқайга уради.

Ўратепа атрофига етишгач, ён-атроф туманларини отлар туёғи остида остин-устин қилди. Сўнг Ём ва Зомин¹⁹⁴⁰ устига бостириб бориб, дастлаб Зомин қалъасининг қамалига киришди ва тўпу туфанг отиш воситасида кўп саъй-ҳаракат кўргузиб, ул кеккайган кўрнамакларни ўқ ёмғири остида қолдирди. Қалъа ичидаги одамлар довюрак бу амирнинг уруш усули салобати ва кўп сонли лашкари ғазабидан кўрқиб, //223^a катта-кичик тилини «омонлик» фарёдига очиб, ҳар ким ўз ҳолича оху-зорлик қилишарди. Қалъа ҳокими кўрнамак Абдуғаффорнинг укаси бўлиб, қараса қалъа аҳлининг ҳоли жуда хароб. Агар шу зайл қаршилиқ кўрсатиб тураверса, иш ёмонлик билан тугаши муқаррар. Халқ билан бирдамлиги ўз-ўзидан бузилиши аниқ. Ноилож хору-зорлик билан бошини қуйи эгган қўйи бўйнига шамшир ва садокни осилтириб, Амири валинаъми хузурига чиқди. Жаноби олийнинг хузурига етишгач хоннинг узангисини ўпишга мушарраф бўлди. Амири валинаъми унинг ҳаққида марҳаматнавозлик қилиб, ҳайратзадаларнинг мазоқи таъми бўлган афв лаззатини хусравона меҳрибонлик билан амалга ошириб, гуноҳидан кечди. Сўнг ойдин кўнгли тинчлик ва ёруғ хотири осойишталик топиб, вужудига таскинлик ва ором лаззати етишгач, йўналиш юзини Ём қалъаси томон қаратди. Ём қалъаси халқи Зомин қалъаси ҳолотидан хабардор бўлиб, булар ҳам ўзларининг яхшилиги ва омонлиги илинжида яраш сулҳига рози бўлиб, Амир хизматига ошиқдилар. Амири валинаъми улар ҳаққида ҳам хусравона меҳрибонликлар кўргузиб, ҳар кимга ўз мансаб ва обрўсига яраша мўл-кўл инъом ва кўп сарупойлар бахшида қилиб, барчасини ўзидан рози-ю хушунуд ва сарафроз қилди.

Маснавий:

Жуд онаст к-ошифта гардад паланг,
 Дили аждаҳоро дар орад ба чанг.
 Зи бими итоб саре пур шукух,
 Ба боғаш фурушад самум сутух.
 [Саховат улким, йўлбарс ошифтаси бўлур,
 Аждаҳо дилини эса қўлга киритар.
 Шавкатли бош итоб кўркувидан,

¹⁹⁴⁰ Ём ва Зом(ин) – Зомин тоғларининг этакларида, Самарқанд–Хўжанд йўлининг ўнг тарафида жойлашган қалъалар. Аввалбошда чопар–ёмчиларнинг қўниш жойлари бўлган.

Ўзини шамол елига совурар.

Ҳар иккала қалъа кўнгилдаги каби осонликча муяссар бўлгач, бир неча кун шу ерда истиқомат қилиб, қалъанин бузилган жойларини ва ён-атрофларини яхши бир суратда мустаҳкам қилиб, Хўликанинг авлоди набираларидан бири бўлмиш Рустамбек¹⁹⁴¹ни Зомин ҳукумати билан сарафроз қилиб қайтди. Йўлларни босиб ўтгач, Хўқанди латиф тахтгоҳига шараф файзи улуғворлиги билан ташриф буюрди. Ва йўл азобидан бир неча вақт осуда ўтириб, сўнг яна ҳам роҳат бағишловчи шикор сари майл билдириб, дашту сахро томон йўналди.

Амири валинаъмининг Шодмонхўжа парвоначини Ўрус устига Оқ масжидга юборгани ва унинг бу ердан енгилиб қайтгани зикри

Бу гап тасдиғи шундайким, саодатнишон хон ойдин кўнглини атроф ишларидан тинчитгач, душманлар билан муомалани кўнгилдагидек бажариб, дорулмулк Хўқанди латифга қайтиб, яна сайру шикор билан дам олгач, Ўрус кофирларни тор-мор келтиришга қарор қилди. //223^б Яъни ул майдонни мамоликнинг бошқа ерлари каби ағёр вужудининг тикан ва хас-хашакидан тозалаш ниятини кўнглига қаттиқ тугди. Шу сабабдан бир неча кун Хўқандда лашкар ишлари саранжоми ва мамлакатнинг кириш ва чиқиш жойларини назорат остида сақлаш учун тўхтаб турди. Ишлар маромига етиб бажарилгач ва тартиб-интизом топгач, маслаҳатдан сўнг бир неча *понсад* одамни ўрус устига Оқ масжид томонга тайин қилиб, Муҳаммадкарим Шайх *понсад*боши Абу Убайдагийни ул қавмга сардор этиб, Тошкандга юборди ва чечан сўзлик билан битилган иноятномани Тошканд ҳокими Шодмонхўжа номига ёзиб, Тошканднинг барча музофоти ва *Қураманинг* лашкарига бош ва сардорлик қилиши учун жўнатди. Шодмонхўжа ҳам иноятнома етган заҳоти сипоҳ ва лашкарни қуроллантиришга тушиб, сипоҳ йиғилиши билан Оқ масжид сари йўлга тушди. Ва неча манзилу масофаларни босиб ўтгач, Туркистон қалъасига етишиб, бир неча кун дам олдилар. Сўнг бу ердаги ишлари ҳам саранжом топгач, сон-санқсиз лашкар билан у ердан чиқиб йўлга тушган кўйи Оқ масжид қалъаси яқинига кўш ташладилар. Ўша кун кечки маҳал ва тунда қурол-яроқ ва бошқа жанг асбобларининг шикасту рехтини тузатишга киришиб, кофирларга қарши жангга шай турдилар. Эртаси тонгда офтобнинг жамшидваш хуршиди малики ваҳҳоб амри билан машриқ уфқидан шоён ва намоён бўлиб, оламга ўз нури билан равшанлик бағишлагач, Ўрус кофирлари ўз қалъасидан чиқиб, эгинлари темир жавшанга ғарқ, тўпу туфангни ўт олдирган ҳолда сафга тизилдилар. Ҳар икки томон ҳам ана шунда саф оролик қилгач, ногоҳоний бало каби ўрнидан кўзғалиб, ҳеч нарсадан ҳайикмай мусулмонлар кўшини томон бостириб кела бошладилар. Лашкар аҳли ҳам унинг баробарида Искандар тўғонидек устивор ва барқарор туриб урушга киришдилар. Бора-бора уруш машъаласи кучли тарзда алангалай бошлади. Ота ўғлига боқмас, ўғил отасига парво қилмас, ҳар ким ўз ҳолича жанг қилардилар. **Байт:**

Ба жунбиш дар омад замину замон,
Ту гуфти бихоҳад паридан жаҳон.
Зи овози аспон, гарди сипоҳ,
На хуршеди тобанда равшан, на моҳ.
Сипаҳ яксара наъра бар доштанд,
Синонҳо бо пар андар афроштанд.
[Замину замон жунбишга келди,
Худди осмон учиб кетмоқчидек бўлди.
Отлар кишнашидан, кўшин чангидан,
На куёш кўринарди, на ой.
Кўшинлар бирдан наъра тортишди,
Бир-бирига қанотли найза отишди].

Ислом аскарлари эрта тонгдан то кеч оқшомгача барқарорлик қўлини қанчалик маҳкам тутмасинлар ва кудрат сарпанжасини ор-номуснинг ҳамият енгидан чиқариб қанчалик кўп саъй-ҳаракат қилмасинлар, кофирларнинг сабот оёғи фақат олдинга ташланиб, номуборак қадами сира орқага қайтмади. Шу сабабли бу ғазот қатнашчиларидан айрим ҳимматсизлари ўруснинг журъатини кўриб, қўл-оёқдан тушишди ва томирларидаги //224^а орийат қони сусайиб, имкон борича қайтиш пайдан бўлишди. Чунки фатҳ келинининг юзи ғайб пардаси ортидан ҳаливери зухур жилвасини кўрсатишга майл йўқлиги билиниб бормоқда эди. Аммо бу ишларнинг нима билан якун топишини улар билмас, фатҳу зафар эшикларининг очилиш ёки ёпилиши фақат илоҳий тақдирга боғлиқ экани,

¹⁹⁴¹ Рустамбек – 1858 йили 9 сентябр ўлган. 1854-1858 йй. Ўратефа ҳокими. Бухоро амири Насруллоҳнинг жияни эди.

Аллоҳ сўзларида келганидек, баҳодирлик ўрмонининг шери сапанжаси зўри эмас, балки қазову-тақдир ҳал қилувчи омил эканини хотирига келтирмас эдилар. Аммо, мардлик номи учун курашаётганлар ўз вазифаларини адо этиб, душманнинг қилич ва найзасига ўз кўкраklarини қалқон қилдилар. Балки, мардона туриб, душманга найза санчиб қилич солиб, бу яқин ораларда рўй бермаган даражада юксак ва тенгсиз қаҳрамонлик намунасини кўрсатдилар. Бор кучлари билан ҳиммат юзини дину давлат ҳимояси учун қаратиб, душманини тор-мор этиш, ёғий адоватли зарар асҳобини йўқ қилиш ҳамда зулм ва жаҳолат арбоби аломатини сўндириш, ёмонлик биносини кулатишга киришдилар. Лекин юқорида айтганимиздек, булар кўпам натижа бермай, ноилож барчаси йўналиш жиловини қочиш йўли томон қаратдилар. Бироқ ёнларидаги мато ва газлама, тўп ва туфанг барисини тўла саранжомлик билан Туркистон шаҳрига олиб келишга муваффақ бўлдилар. Олдинмакетин келаётган марди майдонларнинг ҳаммасини бир ерга йиғдилар. **Рубоий:**

Якero аз гардун диҳад пойгоҳ,
Якero аз кайвон дар орад ба жой.
Дилеро фурузон кунад чун чароғ,
Ниҳад бар дили дигаре дарду доғ.
[Бирини осмондан пастга кулатади,
Бирини кайвон айвонига чиқаради.
Бирининг дилин чироқдек ёритади,
Бирининг дилига дард доғини солади.

Уруш майдонига яқин бўлгани сабабли Туркистонда туришни ҳам хавfli билиб, Туркистондан чиқиб Тошкандга келдилар. Бу ишлар хабари кетма-кет амири валинаъми ҳузурига етишгач, жаноб амири валинаъмининг табиати ғазаб оташида ёнса-да, кофирлар билан жон бериб, жон олиб олишган гуруҳни бирор айб билан гуноҳкор қилишга ҳеч қандай баҳона ва илож топмади. Устма-уст чопар билан уларни ҳузурига чақириб, ишонишлари учун ҳужжат сифатида муҳаббатга қоришиқ хатлар юборарди. Ул бечоралар ҳам иноятномадаги гапларга жавоб тариқасида хонга совға ўрнида кўп пешкаш ва тортуклар жамлаб, Хўқанд сари равона бўлдилар. Анча масофаларни босиб ўтгач, ҳумоюн Ўрдага етишиб, қанча пешкаш ва тортук келтирган бўлишса, хоқонлик назаридан ўтқариб, Амири валинаъми ҳаққиға дуо қилдилар. Сўнг Ўрдадан қайтиб чикмоқчи бўлганларида, Шодмонхўжа, Саримсоқ¹⁹⁴² додхоҳ ва Муҳаммадкарим Шайх учаласини Ўрда саҳни шифанакига чиқариб, кўйлак ва лозимини эгниларидан ечиб, бош очик, оёқ яланган қилиб, сўнг эса эгниларига қайтадан аёллар кийимини кийдириб, кўлида ип йигирувчи чарх билан шу ерда ўтқазиб кўйиш, кейин шу аҳволда кўча айлангириш ҳақидаги олий фармон чикди. Бу фармонга кўра, бу каби ҳақорат ва таҳқирлаш орқали уларни ўз қилмишидан пушаймон қилдириш ва уларга фақат шундай жазо муносиблигини уқдириш кўзда тутилганди Давлат амирлари олий даражали фармойишга кўра, одамлар йиғини орасида вилоятнинг учала сарҳангини ўша кулфатга сазовор қилиб, не фармойиш бўлса бажо келтирдилар. Ул бечоралар //224^б ҳам Худодан етган қазога тан бериб, не олий фармойиш бўлса зуҳурга етказдилар. Бу иш ясоқидан сўнг ҳар бирини ўз кўшига юбориб, анча вақт олий назардан узоқ ва маҳрум қилдилар. Бу маънида охунд Имом Али қори Қундузий муносиб бир таърихни назм дурлари силкига чекканлар. **Таърих:**

Аз он коре ки набувад дар хўри ҳол,
Фазихат рўй меорад ба мардон.
Ба ташҳири амир ин ки, дида,
Саводи лашкари куффор, тарсон.
Гурезон омаданд, аз хони айём.
Чунон фармони олий шуд ки, эшон,
Ҳама пўшида дар бар жомаҳои,
Занон, бошанд ҳамчу наварўсон.
Бадин ният пас аз айём чанде,
Бегардонанд дар шаҳр, ончи фармон,
Шуд аз хони замон карданд, Комий,
Ба таърихаш ҳамегўяд хирад зи он,
«Ба ҳоли фараж нокарда нигоҳе,
Занона чарх мерасанд амирон».
[Ҳолга ярашмган иш қилсанг,

¹⁹⁴² Саримсоқ додхоҳ – Кировчи (1853), Намангон (1856-1857) ҳокими. Додхоҳ (1863-1865), хидоячи (1874) бўлган.

Одамни уятга қолдиради.
Амирни шарманда қилиб,
Кофир қорасини кўргач,
Қўрқиб қочиб келишди.
Замон хонидан бўлди шундай,
Фармон бўлди: уларнинг бари,
Кийсин эгнига аёллар либосини.
Шундай қилиб анча вақтгача,
Шаҳар айлантирдилар, не фармон,
Бўлса хондан, шуни қилдилар, Комий,
Шу сабаб таърихи учун ақл дер:
Эркаклик ҳолига боқмай ҳеч,
Амирлар хотиндек чарх йигирарлар].

Охирги мисраъ таърих моддаси бўлгани учун уч юз йигирма икки сонига тенг «ҳоли фараҳ» сўзлари соқит бўлса, бир минг икки юз етмиш (1270/1853) сони ҳосил бўлади.

Бу ҳодиса юз бергандан сўнг Тошканд ҳукуматини Сўфибек ибн Давронбек Кухистонийга бердилар. Бу гаплар асносида Исобек ибн Баҳодирбек юзни шаҳидлик даражасига етказдилар. Бу сўзнинг қисқача мазмуни маром аҳлининг ҳушманд қулоғига шундай маълум қилинадики, амири валинаъми қипчоқлар қатлидан тинчигач ҳар вилоятни бирор амир ва ҳар шаҳарни бир вазирига берди.

Шу жумладан Андижон вилоятини Исобекка мусаллам қилганди. У анча муддат ҳукм юргизишда собит қадам ва тўғри йўл бўлиб, ҳалол иш юргизди. Аммо, энди мана бу воқеага қаранг. Исобек ўз вазифасига кўра вилоятнинг ички даромадидан унган солиқ маблағининг амирликка тўланадиган сарф-харажатдан ташқари уч минг тиллодан зиёдроқ қисмини ўзи учун қолдириб, Амири валинаъмининг пиру пешвоси бўлмиш Эшон халифа Олтмишнинг куёви Мирзо Маҳмуд кўсани ишончли ва эътиқодли киши ўрнида билиб, мазкур тиллоларни унинг қўлига тутқазиб, бу омонатни олиб бориб, жаноб ҳазрат эшон қўлига топширишни тайинлаб, эшон уни маълум вақтгача сақлаб туришларини айтибди. Орадан бир неча замонлар ўтиб, ҳукумат ишидан бўшагач, турмушининг озгина кемтигини тўғирлаш учун Мирзо Маҳмуддан ўша пулни талаб қилибди. Мирзо Маҳмудга эса бу сўз ёқмай, ҳазрат эшон ҳузурида баён қилибди. Бу сўзлар эшоннинг ҳам юрак-бағрини куйдириб, жон деворини тешиб ўтибди ва шу ондан ором-қарорини йўқотиб, бировнинг омонатини қайтариб беришни истамаган бу иккови собиқ ҳокимнинг даъвосини бир ёқлик қилиш пайдан бўлишибди. //225^a Кўп ўйланиб, ахийри Исобекнинг ўзини айбдор қилиш қарорига келибдилар. Шайхнинг шайтанат кўнглига маъқул тушган бу ўй-фикрни амалга ошириш мақсадида минг хил ҳийла-найранг тузоғини ёзибдилар ва шу зайл собунтарош мурид ва халифа шогирдаларини кетма-кет Амири валинаъми ҳузурига юборишга киришибдилар. Хон ҳузурини топган бу чақимчилар «Исобекнинг кўнглига хом хаёл ва ярамас ўйлар йўл топиб, бир неча вақтдан бери Амири валинаъми жанобларини орадан кўтариш ва ўзи Сиз ҳазратларининг ўрнига ўтириш кўйига тушган. Гапимизга ишонмасангиз анави кишилар тасдиқловчи, мана бу эса гап чинлигига ичаётган қасамимиз. Агар бугунни эртага қолдирсангиз, ҳаётингиздан умидингизни узаверинг» дейишибди. Бу ишга ушбу байт жуда ўринли тушган. **Байт:**

Макри зоҳид аблаҳонро сархати дарси расост,
Сомири таълими ботил мекунад гўсоларо.

[Зоҳид макри аблаҳларга дарс таълимининг намунасини,
Бехуда сомирийликлар бузоққа таълим берадилар¹⁹⁴³.

Муридлар устма-уст ва кетма-кет шу тўқиб чиқарган гапларини ҳадеб хонга арз қилавергач, Амири валинаъми бу бўлмағур сўзлар натижасида иккиланиб ва бу гаплардан юрагига ваҳима тушиб, воқеанинг ҳақиқатини текшириб кўрмоқчи бўлибди. Ҳазал куйловчи шоҳидлар неча бир товуш ва нағмалар билан ўзларининг далиллари аниқлиги ва сўзлари арзирли экани борасида қасамларни қалаштириб, ўнги-сўлига боқмай қасамхўрликнинг арз-додига етибдилар. Ниҳоят ёлғон қасамлар тўғрича қабул қилиниб, барча катта-кичикка маъқуллашга эришибдилар. Бу каби воқеалар рўй бергач, олий фармон чиқарилиб, шунинг эртаси тонгда Исобекни Ўрдага келтириб қамаб қўйдилар ва чоштгоҳ маҳали ташқари олиб чиқиб, Ўрда дарвозаси олдида шаҳидлик даражасига етказдилар. Бу борада қори Қундузий бир муносиб таърих битиганлар. **Таърих:**

Ниҳоли қомате к-зи сарвақдони жаҳон боло,

¹⁹⁴³ Бу ҳақда қаралсин: Қуръони карим, 20:87-97

Кашида сар ба тири офати даҳраш нишон карда.
Қазо к-зи гулшани насли Баҳодирбек чун бишкуфт,
Гули рухсори Исобек бар вай қасди жон карда.
Ҳасуди он то ки як шайтоне бар сажжодаи шайхи,
Нишаста ончунонаш пеши султони замона карда.
Саоят аз раҳи бўҳтон ки шах аз макри ў ғофил,
Барои куштани он бегунаҳ фармон чунон карда.
Ба жаллодон ки як бадбахт хунрези жафо пеша,
Ба шамшери ситам аз жўйи ҳалқаш хун равон карда.
Агар чандеки аз роҳи шаҳодат тойири руҳаш,
Ба як парвоз бар болои сидра ошиён карда.
//225^б Ба хун олуда хокаш мардуми айём афтода,
Ҳаменоланд аз ҳажраш ба як дам сад фиғон карда.
Зи аҳволи бади ин фарзанди хеш модари зораш,
Чи мепурси ки эшон зинда худро мурдагон карда.
Дареғ он меҳр талъат, пок тийнат, макрамат сийрат,
Ки хуршеди руҳаш аз дидаи мардум ниҳон карда.
Агар чанде ки номи соеии қотилаш бувад Олтмиш,
Аз ин кирдор мардум номи у Саксани кажон карда.
Надонам баъд аз ин аҳволи он мард чи хоҳад шуд,
Ки нахли умри ҳамчун бегуноҳеро хазон карда.
Барои пурсиши таърихи соли қатли ў Комий,
Нишастам пеши устои хирад то ин баён карда.
«Шаҳодат ёфт Исобек фирдавси жинон дида,
Ки ў аз жони покаш даргузашта азми он карда».
[Ҳаҳон сарвақадларидан юқорироқ чўзган қомати ниҳолини,
Дунё офатининг ўқиға нишон қилди.
Баҳодирбек насли гулшанида гул рухсори очилган Исобекнинг,
Жонига қасд қилди.
Шайхлик жой намози устига ўтирган бир шайтон,
Замон султони ҳузурида ҳасаддан чақимчилик қилиб,
Бўҳтон-туҳмат қилди, шоҳ эса ғафлатда қолиб,
Ул бегуноҳни ўлдиришга фармон берди.
Қасби жафо ва қон тўкиш бўлган жаллодлар,
Ситам қиличи билан томоғи ариғидан қон оқиздилар.
Шаҳидликка етгач, руҳи кушларининг бариси,
Бир учиш билан Сидра дарахти устига чиқиб, ин қуришди.
Ҳажрида йиғлади бир дамда минг фиғон тортиб,
Онаи зор фарзандининг бу воқеасидан бўлиб ҳайрон,
Не гапин айтмай, яқинлари тириклайин ўзини ўлик билдилар.
Афсус, ул қуёш талъат, пок тийнат, мукаррам сийрат,
Юзи қуёшини халқ кўзидан яширди мангуга.
Қатли учун тиришган кишининг номи Олтмиш эса-да,
Халқ бу иши учун уни «Саксан кажон» (итсан) деб атади.
Билмам бундан сўнг ул шахсининг аҳволи не кечур,
Ки шундай бегуноҳнинг умри ниҳолини хазон қилди.
Ўлими йили таърихини сўраш учун Комий,
Жойлашгандим ақл устои қошида, бу баённи деди:
Шаҳодат топди Исобек жаннат боғини кўриб,
У пок жонидан кечди ўша томонга ошиқиб].

Яширин қолмасинким, «шаҳодат» ва «Исобек» сўзларининг ҳар бири ва «фирдавси жинон» сўзлари таърих моддаси бўлиб, кўрсатилган «жони пок» сўзи исқот қилинса, иккинчи моддадан идҳоли ва биринчи модда солисидан бир минг икки юз олтмиш тўққиз сони ҳосил бўлади (1269/1853]. Айрим кишилар «мири мазлум садри жаннат» ни ҳам таърих топганлар.

Қосим мингбошининг Шодмонхўжа додхоҳдан кейин Оқ масжиднинг Ўрус кофирлари муҳорибасига кетгани ва бу қавмга машаққат аломтли меҳнат тўфони киргани зикри

Воситалар манзаралари нозирлари ва сабаблар оламларининг шоҳидлари бўлмиш кўрар кўз аҳллари наздида яширин ва бекитиқча қолмасинким, жамол султонининг меҳрибонлик насимлари ва лутфларининг ели ҳар неча замонда гулзор сари йўл солади ва тароват димоғига ора киритади. Натижада ул худдуд гўзаллик сарҳадига етиб, ниҳоятда кўркем тарзда намоён бўлади. Бу сўз ташбеҳидан мақсад улким, лашкар аҳлининг умид боғи ва орзу экинзори рус кофирларининг навбатдаги босқин ва истилосидан олдинроқ сўлиш ва пажмурдалик даражасига етмасдан, тушкунлик томчилари юзлари узра қайта тўкилмасдан бурун Амири валинаъми давлатхоҳлигига эътиқоди юзасидан хоннинг кўрар кўз ўрнида ва кўз қарочиғи макрмида бўлмиш ўз вазирига //226^a «бу хизмат эшигининг қулфи сенинг кифоятли қўлинг билан очилади. Қанча лашкар керак бўлса, шу ердан тўплашинг лозим ва Қурама, Тошканд, Туркистон ва у ер музофотлари лашкаридан олиб, бу ишнинг тугуни эшиклари фатҳни очиб келмасанг, ўрус кофирлари жафоси сазосини бериб, танбеҳига етказмасанг, кўнглим маломат юкли ғамдан сира шодмонлик куни билан алмашмагай» дея бу масалага ишора қилди. *Мингбоши* амирга неча бир таъзимлар бажо келтириб, ҳиммат камарини ул юриш учун қаламдек белининг юз жойидан қаттиқ ва маҳкам боғлаб, юриш тайёргарлиги ишига киришди. Ҳар ерга одам буюриб, эпчил ёшлар ва довюрак эрларни тайёр ва муҳайё қилиб, хонликнинг ўн етти тўпи ва султонликнинг катта қоракундоқли неча юз туфангини неча минг урушга тайёр марди майдонлар ҳамда лашкарни аслаҳа ва кўп матолар билан таъминлаб, иш саронжомини ниҳоясига етказиб, рухсат фотиҳасини хон ҳиммати рухсатидан ҳосил қилиб, йўлга тушдилар.

Рубоий:

Зи овозаи азми сафдар жараён,
Бижунбид яксар заминун замон.
Биларзид кўх, бижунбид дашт,
Хурўши сипоҳ аз фалак дар гузашт.
[Саф ёрувчи сафар овозасидан,
Замину замон жунбишга келди.
Тоғу даштлар ларзага тушиб,
Қўшин ҳайқириғи фалакдан ўтди.

Шунинг эртасига Сайхун дарёсидан кечиб, Сепбақ манзилгоҳига тушдилар. Бир-икки кун ўша ерда туриб, олд-орқани бир-бирига етказиб, ҳаммага таниш одатдаги Уч йўлидан равона бўлдилар. Мароҳилларни босиб ўтгач, манзилларни ортда қолдиргач, Кировчи қалъасидан ва Оҳангарон¹⁹⁴⁴ ўлкасидан ўтиб, Тошканд йўли сари кетдилар. Ва бу худуд лашкари ҳам улар кетидан равона бўлиб, Тошканд манзилгаҳида кетларидан етиб олдилар. У ерда бир неча кун тўхтаб турдилар.

Айтиш лозимки, султонлик ишлари машғулотиға машғуллар ва салтанату жаҳонбонлик ишларига мутасаддилар давлатнинг юксак даражали юлдузига, ҳашаматли шаҳриёрлар эса олий иззат камолиға етишиш учун олийқадр мақом ва минзилларни босиб ўтишлари шарт бўлиб, шундан сўнггина салтанат пиллапоялари чўққисига кўтариладилар. Бунинг икки шarti бўлиб, улар бу йўлда жонларини аямай шижоат кўрсатиши ва ақлга биноан кўнгилга ўрнашар шойишта хизматлар қилиши керак. Бўлмаса бахту иқбол чехраси мурод ойнасида кўриниш бермайди. Инсон бошида бахт синаш куни балқиб чикса, ақлу доно машварат воситасида ана шу хислатларни намоён этиш талаб қилинади. Давлат ва иқбол кўзини //226^b уруш майдонининг чанги равшан торттиради, мазкур хислат эгаларининг йўлини ақлнинг қуёш нурли тадбир партави қўллаиди. **Байт:**

Ба ҳангоми тадбир як ройи нек,
Бех аз сад сипоҳе чу амвожи рег.
[Тадбир қўллаш чоғи бир яхши ақл,
Қум сонича юз қўшиндан яхшироқ.

Демак муносиб кўринадигани шуким, вақт тақозосига қараб, бир-биримиз билан маслаҳат қилайлик ва бирон хатарли иш юз бермасдан олдин ақлни ишга солиб машварат қилайлик. Чунончи буюрмишлар. **Байт:**

Корҳои бе мушовират накуни,
То дар он суди бекарон бини.
[Маслаҳтсиз ишларни қилмасанг,
Ундан чексиз фойдалар кўрасан.

¹⁹⁴⁴ Оҳангарон – Қурама вилояти таркибидаги водий ва шаҳар.

Машварат ишлари амалга ошгач ва бу маслаҳатга риоя қилинган, аркони давлат ва ҳазрат аъёнларининг барчаси биргаликда эҳтиёж ва ихлос юзасидан хайрихоҳлик ва ихтисос камарини боғлаб, тилни якжиҳатлик учун очиб, шундай арзга етказдилар. «Кетишга шошилмайлик, агар бир неча кун Тошканд вилоятида тўхтаб турсак, ғоятда муностиб иш бўлажак. Чунки ҳали баҳор келишига қиш фасли ва Дай вақти тўсқинлик қилиб, кеча-ю кундуз мўътадиллиги совуқ шиддатининг яғмосига учраган ва сабзаву райҳонлар кўшини боғу бўстонларга зийнат бериб улгурмаган. Жаҳонни кезувчи офтобнинг юзи сомондек сариқ ҳолатда бўлиб, ҳали юзини ҳижоб ниқобидан тўлиқ очмаган. Йўлимизнинг узоқлиги аниқ ва уни босиб ўтишимиз тўрт томони очиқ чўлу биёбонлар орқали бўлгани сабабли у ерда бизни қаттиқ совуқдан ўзгаси қарши олмаслиги аён. Бу миқдордаги лашкар билан бий-баёв чўлу биёбонга бориш қийин, балки ўта азобли кўринади. Вақт талаби ва маслаҳати шуки, гул хоқони //227^a турли туман ҳашамат ва безак билан юзини райҳонлар улуси чамани сари тутган маҳалда ва гул тиканининг учи ўз захми билан қиш ва совуқ лашкари қалбига оғриқ солган паллада Баҳромий лашкар билан бахти қайтган душманни таг-тугидан кўпориш қасдида юзлансак ва фатҳ оятли байроқни ёйиб, юриш қадамини ул томонга йўл босиш учун ташласак».

Аммо ул жамоатнинг бу сўзлари амири кабирнинг ақли тасвирига мос тушмай, уларнинг шундай маҳалда ҳам жонбозлик кўрсатиши лозимлигини таъкидлади ва уруш майдони сари юрмоқ буйруғини берди. Офтоб Далв бурж¹⁹⁴⁵ идан ўтиб, Хут буржида жойлашган эса-да, «Хутда юз берган совуқ Дай фаслидагидан ҳам шиддатли бўлади» ҳадисига кўра ўша пайтда қаттиқ совуқ юз бериб, Дай лашкари шиддати кучлилиги ва совуқнинг қаттиқлигидан яғмо қасдида шу даража кўп қор ва ёмғир ёғдики, оловнинг қизил кийимли лашкари қайтиш йўлига тушиб, темир қалъасига бекинди.

Байт:

Лашкари сармо бар омад аз пайи яғмову сохт,
Оташ аз девори оҳанин аз барои худ ҳисор.
[Совуқ лашкари яғмо учун чиқди-ю,
Оташ темир девордан ўзига қалъа ясади].

Ҳаво совуқлиги шунчалик шиддатли бўлишига қарамай, кундан-кунга яна ҳам кучаймоқда эди. Совуқнинг қаҳри қаттиқлиги шу даражага етдики, қўлни парвона каби оловга тикмасдан туришнинг ҳеч имкони йўқ эди. **Байт:**

Аз дами боди хунук лабҳои хубон шуд кабуд,
Оҳ аз ин сарди ки ранг аз рўйи оташ мерабуд.
[Совуқ шамол дамидан яхшилар лаби кўкарди,
Оловдан ҳам рангни олган бу совуқ дастидан дод].

Айни шу фаслда қор ва ёмғирнинг бу даража ёғишини кўриб, одамлар ҳам кўз булутидан шунчалар ёш оқиздилар. **Байт:**

Зи ошўби борон ва жўши саҳоб,
Ҳама жавшану хўд гардида об.
[Ёмғир захмати ва булут туғенидан,
Темир совутлару дубулғалар ҳам сув бўлиб оқди].

Пар қанотли ўқлар ҳам учиш учун қанотини ёза олмас, Каёний камонлар эса бундан ишсиз қолиб, бошини бахт билан дам олиш бурчагига тикқан, қилич қини булут томчиларидан гавҳар юкли бўлиб, нам тортди, Хаттий найзалар ёш ўсмирлар қадди каби тўғри эгилиб, бошни тиззага қўйди. Сабо рафтор отлар гавдаси лой ва балчиқ кўплигидан ҳаракатдан қолди ва кийимлар жикқа хўл бўлиб, унинг оғирлигини кўтар олмаган муборизлар бир бурчакка ўтириб қолдилар. **Рубоий:**

Барф борид роҳи лашкарро,
То замин ҳамчу баҳри ахзар шуд
Пойи мурғобиён ба баҳри масоф,
Рост чун пойи бат шиновар шуд.
[Лашкар йўлига қор ёғди,
Ер кўк денгизга айланди.

¹⁹⁴⁵ Бурж – йилдаги 12 ой (бурж) – Ҳамал (Кўй – 22 март – 22 апрель), Савр (Хўкиз), Жавзо (Эгизаклар – 23 май – 24 июнь), Саратон (Қисқичбақа), Асад (Шер), Сунбула (Кўлида бошоқ ушлаган қиз), Мезон (Тарози), Акраб (Чаён), Қавс (Ўк ёй), Жадий (Эчки), Далв (Челак), Хут (Балиқ – 20 февраль – 22 март) буржларини осмон табақалари ҳисобланган еттита сайёра – Ой (Қамар), Уторид (Меркурий), Зухра (Венера, Нохид), Кувейш, Миррих (Марс, Баҳром), Муштарий (Буржис, Юпитер, Саъди Акбар), Зухал (Сатурн) каби сайёралар мазкур буржларни маълум бир даврда босиб ўтадилар, жумладан, Ой уларни бир ой ичида босиб ўтади. Сайёралар бахт, уруш, ёмонлик сингари рамзларга ҳам эга.

Мурғобилар оёғи тўқнаш учун,
Ўрдак оёғидек сузишга тўғри бўлиб қолди].

Бунча қору ёмғир ёғиши гўё замона ҳодисаларидан //227^б кўтарилган чангу ғуборни ушбу вақтда бостириш ва ўша айёмда алангаланган исён оташини сўндириш учун юз бераётгандек эди. Қўшин ана шу ҳолда чору ночор Тошканд вилоятдан чиқиб, юзни қон ичувчи дашт сари қаратиб, йўлга тушдилар. Анча йўл юриб, манзилларни ортда қолдиргач, минг бир қийинчилик ва кулфат билан ҳозир Туркистон деб аталувчи Ясси шаҳрига келиб тушди. Бир неча кун шу жойда истиқомат қилиб, осойиш топдилар. Замонанинг ҳозиржавоб ҳазилкашларидан бири бўлмиш Мирзохўжа Кўлобий шундай ҳикоя қилиб берган эди: «Оқ масжид руси томон юриладиган куни сафар юришига қарор қилингач, лашкар аҳлининг барчаси ўз қурол-яроқ, уруш асбобларини елкасига ташлаб, жангнинг оғир кийимларини ҳам эгниларига кийиб олдилар. Мен ҳам нима бўлса кийиб, *мингбоши* хузурига бордим ва саломдан сўнг Ўрус шаҳри томон тикилиб: - Эй падар лаънати кофирлар, қочиб кета қолинглар, шу қочганча ҳеч тўхтамангларким, уятга қоласиз, - дедим. *Мингбоши* табассум қилиб, бу нима деганинг бўлди, маъносини айт, деди. Мен жавоб бердим: - Бу аҳволда қаерга борамиз, ер от қорнигача қор-муз бўлса, ўзимиз эса бошу либосларни бу зайл кийиб, дум-думалок ёстикдек бўлиб қолган эсак, шу туришда на отга мина оламиз, на пиёда йўл юра оламиз. Шу ердан туриб ана шундай сиёсат қилишдан ўзга бирор чорамиз қолмаган».

Мазкур аҳволда чўл ва саҳрони кечиб ўтиш учун сипоҳнинг асоси дасталари Ўрус мамлакатларини ва қавмларни босиб олиш илинжида ҳаракатланиб, йўлга тушдилар. **Назм:**

Ҳамон марҳала аст ин биёбони дур,
Ки гум шуд дар ў лашкари Салму Тур.
Ба жуз зи хоки хубон бар ин дашт нест,
Ба жуз хуни шоҳон дар ин тўшт нест.
[Бу биёбон ўша узок манзил-бекатдирким,
Унда Салму Тур қўшини йитиб кетган.
Ўтган яхшиларнинг тупроғидан бошқа нарса йўқ бунда,
Бу лаганда шоҳлар қонидан бошқа нарса йўқ].

Бир неча масофа ва манзилларни босиб ўтгач, Лак жўйи ёнидан ўтиб, йўл юрдилар. Кундан-кун совуқнинг кучайиши ортиб, қор паға-паға ёғиб, бора-бора қору ёмғир тўфонига айланди. Шу ҳол ва замонда бу тўфон ўзича ўйин ясаб, мусулмонлар жонига чексиз азоб берарди. Қўшин эса барибир Аллоҳ қазоси тақдирига тан бериб, Оқ масжидга юзланиб борардилар. Юравериб, Оқ масжиднинг бир фарсахлик еригача етдилар ва шу ерда чодир тикдилар. Ўша кечаси сипоҳнинг барча аҳли йўл азобидан осуда бўлиб, тўла ҳузур билан кофирлар макридан беҳабар дам олардилар. Субҳи содиққа яқин //228^а бўлганда бир сарбоз отга ўт бериш учун туриб, бошқалар ғафлат уйқусида пайти, ўрус кофирларининг олд қисми кўриниб кела бошлади. Лашкар ичига ғулғула туши, ҳар ким ўз ҳолича бўлаверди. Аммо кўпчилик ул ҳароми номардларнинг олдига чиқиш учун ўринларидан ирғиб туриб, яроқ-аслаҳаларни белига боғлаб, жанг майдони сари кетдилар ва садди Искандардек кофирлар йўлини тўсиб, уруш-савашга киришдилар. Қанчалар ул нобакорларга қарши туриб, етук ҳаракатлар қилдиларким, малаклар фалак томида турганча бу шермардлар билаги кучига таҳсинлар ўқишарди.

Байт:

Кашиданд шамшири кин аз наём,
Гули лоларо талх гардид ком.
Чу шамшери кин раҳ ба наззорагист,
Нигоҳаш ба хун то камаргаҳ нишаст.
Ба ҳасрат зи майдон инонтоб шуд,
Катонаш ба торожи маҳтоб шуд.
[Адоват қиличини қинидан суғурдилар,
Лола гулининг томоғи аччиқ бўлди.
Кин қиличи йўлда посбон бўлиб,
Нигоҳи қон билан белга тушди.
Ҳасрат билан майдондан юз ўгирди,
Кўйлаги маҳтоб қўлида торож бўлди].

Одамларнинг кўпчилиги душман билан юзма-юз келгач, субҳи содиқ Мусонинг байзо кўлидек кўриниш бериб, Фиръавн зулматининг қоп-қора кўксини йиртди. Кофирларнинг яжуж осор, маъжуж кирдор лашкари мингдан ортиқ эмаслигига қарамай, уларнинг ногоҳоний келишини кўрган қўшин аҳли жангу жидол айни қизиган пайти «саодат кимга ёрлик қиларкан, давлат кимники бўларкан» мазмунини хаёлда тутиб, йўл торлиги ва вақт зиклиги сабабли ўша замоннинг шер шикор ғозий ва

номдор ботирлари шумният кофирларнинг зарбасига тоқат бериб, қўлдан келганча олишдилар. Аракқа маст кофирлар эса тўпу туфанг ва темир мушакка ўт қалаб, яна шонли лашкардан ким олдларига келса найза билан йиқитиб, отган ўқлари жийбаву жуббадан ҳам ўтиб, мусулмонларни фано елига совурарди. Зафар асарли лашкар аҳли ҳам шунчалар етук ҳаракатлар қилар, аммо бу ишларидан бирон натижа чиқмасди. Ноилож сабру қарор устунларини қон ичувчи Аҳриман кўринишли лашкар кўлидан «зилзила билан ларзага тушганида»¹⁹⁴⁶ мазмуни каби сафларига ларза тушиб, бул тўданинг қалб ва қанот қисми бузилиб кетиб, парокандаликка тушдилар. «гўе ёйилган чигирткалар каби»¹⁹⁴⁷ мазмунича ҳар тарафга ёйилиб ва сочилиб кетдилар. **Назм:**

Пароканда он хайли бепову сар,
Фитоданд ҳар як ба сўи дигар.
Якери дар афтода аз сар кулоҳ,
Дигарро сар афтода бар хоки роҳ.
Якери тақовар дар омад ба сар,
Зи пушти тақовар фитода он дигар.
Ниҳоданд дар дашт сар ҳамчу бод,
Ба ҳоле ки он ҳол касро мабод.
[Ул оёқ-қўлсиз тўда тарқаб,
Ҳар қайси бир томонга тушди.
Бирининг бош кийими учди,
Бирининг боши ер тубан учди.
Бири тақовар устидан қулади,
Бошларини дашт узра кўйишди,
Ҳеч кимнинг бошига тушмасин бу].

«Яқинда ўша жамоат енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар»¹⁹⁴⁸ маъноси юзага чиқди ва «орқаларига бурилиб қочурлар»¹⁹⁴⁹, //228^б томонига бир неча юз одам ўлиб, фано талабгори ва қаттиқ азобнинг ёстикдоши бўлдилар. Амирлар ва баҳодирлар яраланиб, асирлик тутқунининг кўп меҳнат ва жафосига гирифтор бўлдилар. Қутулганларининг олди эса ўша куниси югур-югур ва қоча-қоч билан қош қорайганда Туркистон шаҳрига етиб келиб, тез учар отлари жиловини орқага бурдилар ва охири Жўйилак ва Янги қўш манзилига етдилар. Нечоғлиқ сипоҳигарлик аслаҳаси ва молу матоъ хазинаси хонликнинг хос тўпи ҳаммаси ўрус кофирларига ўлжа бўлди. Беҳиммат номуродлар лаб ташна ва қорин оч хижолатдан эгик бош билан Туркистонга кириб келдилар. Чунончи бу маънида демишлар.

Байт:

Сарвпо қомати дилжўйи ту мебохт гарав,
Бой дода зи хижолат ба лаби жўй рафта.
[Бош-оёқ сарвқомат қоматини гаровга ютқазди,
Ютқазиб, сўнг хижолатдан ариқ бўйига кетди].

Мингбоши бир неча кун ҳазрат Султон¹⁹⁵⁰ да туриб, қочоқ одамларининг олди-кетини саранжомларди. Қурама ва Кировчи ҳокими Мирзо Аҳмад¹⁹⁵¹ ни эса бу бахтсиз аломат хабарни етказиш учун пойтахт Хўқандга юборди. Катта-ю кичик, амиру вузаро, олиму саводсиз ҳаммаси йўлга тикилиб, хушхабар келишини кутиб ўтиргандилар. Мирзо Аҳмад етиб келгач, ҳали ҳеч нарсадан беҳабар ҳолатда хушхабар келди шекилли, деган фикр билан оламга ўт кўйиб, дарҳол шодиёна ва тўп отишлик қилдилар. Аммо, у не воқеот бўлса амир ҳузурида борича айтиб бергач, Амир бошини хижолатдан қуйи солиб, Шодмонхўжани сўккандан ҳам юз мартаба баттароқ сўқинди. Қанча ўйланмасин, ҳеч бир чора иложини топмасди. Вилоят аҳлининг барчаси ул ҳолдан хабар топиб, мотамдор бўлдилар. Қосим *мингбоши* ҳам олд-кейинни йиғиб, секин-оҳиста ул қишнинг Дай

¹⁹⁴⁶ Қуръони карим, 99:1.

¹⁹⁴⁷ Қуръони карим, 54:7.

¹⁹⁴⁸ Қуръони карим, 54:45.

¹⁹⁴⁹ Қуръони карим, 17:46.

¹⁹⁵⁰ Ҳазрат Султон – Аҳмад Яссавий. Пир ва тариқат асосчиси.

¹⁹⁵¹ Мирзо Аҳмад қўшбеги – 1829 йили оламга келган ва 1895 йилдан кейин вафот этган. Қурама (1853), Тошкент ва Дашти кипчоқ (1854 феврал–1858 ёзигача) волийси. Мингбоши унвонида 1862-1863 йиллари Худоёрхон қўшинини бошқарган. Хўжанд (1863) ва Тошканд (1864), Марғинон (1865) ҳокими бўлган. Уни ёзган аризаси кўра Чимкент, Сайрам ва Авлиё отада ободончилик ишларини олиб борган. Мерки ва Исфарада янги ариқлар қаздирган. Ит кечув, Манар, Карбаткан, Қизил жайли, таш, Жулак, Чаҳордара ва Чинозда истехком ва қалъалар қурдирган. Кейинчалик 12 минглик қўшин билан Шарқий Туркистондаги Яъқуббек давлатида хизматга кетган. 1878 йилдан Тошкентдаги Ўқчи маҳалласида яшаган. Қаранг: Набиев Р. Н. Вакфное хозяйство Кокандского ханства. – Ташкент, 2010. – С. 86-88.

кунида худди баҳор ва ёздек хижолат юзидан тер оқизиб, ўз ҳолига боқишни ҳам унутиб, девонавор келмоқда эди. Бир неча кундан сўнг етишиб, Тошкандга тушди. Одамлар тарқалиб кетгани учун рухсат бериб, ўзи амирлар ва ўз тобеълари билан ўша ерда тўхтади ва ҳар куни неча хил маслаҳат ва мушовиратни ўртага ташлаб, бўлмағур хаёлларга боришарди. Амир бу воқеалардан хабар топиб, кетма-кет иноятномалар билан сийлаб, хусравона саруполар юбориб, подшоҳона меҳрибонликлардан башорат бериб турди. Уларнинг бу кечикишидан амирнинг юрагини неча бир қўрқув ва ҳадик чулғаб олган бўлиб, //229^а ҳеч кимдан бирон чорасини излаб топа олмасди. Ниҳоят минг хил ваъда ва далда билан ул омадсизлар кўнглини кўтариб, ўз ҳузурига чорлади. Улар ҳам бошқа бирон чора топа олмай, Тошканддан чиққан кўйи Хўқанд сари йўлга тушдилар.

Манзилма-манзил келишаркан, ҳар кун неча бир бор ўзлари жонидан қўрқувга тушганча хуркак кийикдек, аммо барибир қазо тақдирига тан берган кўйи илгари қадам босишдан тийинмасдилар. Қурама ва давон Кандир кечувидан ўтиб, Хўқанд вилоятга қарашли музофотларга кириб келдилар. Дамба-дам янги хабар ва чексиз хушxabар етиб, лош бўлган жонга Исодек покиза рух киритарди. Шу башорат билан дилини хуш тутиб кетиб бормоқда эдилар. Шу тариқа Сайхун дарёсидан ўтиб, яхши бир соатда Ўрдага келиб тушиб, Амирнинг қўлини ўпиш шарафига мушарраф ва сарафроз бўлдилар. Амири валинаъми эса ҳар кимнинг мансаб ва даражасига яраша янгидан меҳрибонликлар қилиб, мулукона саруполар ва хусравона инъомларга кўмди. Хижолатли гапларни юзларига солмай, барчасининг гуноҳларидан кечди. Амирлардан ҳар бири яна ўз мансабларида қарор топдилар.

Эшон қори мулло Али Қундузий Хўқанд пойтахти ва Фарғона мулки доруссалтанаси сипоҳининг сардори Қосим *мингбошининг* замон хони Худоёрхон фармонида биноан чексиз лашкар билан юқорида баён қилганимиз Оқ масжиднинг ўрус кофирларига қарши муҳориба ва мужоҳида учун урушга кетгани ва шум мазҳабли кофирларнинг ислом лашкарига шабихун ургани ва мусулмонларнинг енгилиб қочгани санасини бир таърих қилган эди. **Таърих:**

Чун ҳужуми лашкари куффор дар Турон шуюъ,
Ёфт хони мулки Фарғона амири номвар.
Дода Қосимбекро к-ў буд сардори сипоҳ,
Хильати шоҳона аз баҳри жиҳоди дафъи шарр.
Кард роҳий то ки ў бо фавжи лашкар шуд равона,
Лек бар сар норасида кофирони хийлагар,
Бозии оташ кунон дар раҳ шабехуне заданд.
Аз ҳаросаш лашкари исломро «айн ал-мафар»
//229^б Гашта, ўро дарбонҳояш сўи Туркистон ба гурез,
Ончунон карданд к-зи маҳ диди эшон беҳабар.
Омдаданд онжо ба аҳволи паришону забун,
Комий акнун соили таърихаш ояд дар назар.
Дар жавоби ў «гурезон рафта гў бишкаста бол,
Аҳли ислом аз ҳужуми лашкари куффори шарр».
[Куфр лашкарининг Туронга ҳужуми эшитилгач,
Фарғона юртининг донгдор хони, сипоҳ сардори,
Қосимбекка шоҳона тўн кийгизиб, ёмонни йўқотиш,
Учун йўлга солди, у эса катта қўшин билан кетди.
Лекин душман устига етмай, хийлагар кофирлар,
Ўт очиш ўйини билан йўлда шабихун қилишди.
Бундан қўрққан ислом лашкари қочиб қол, дея,
Посбонлари Туркистон тарафга қочиб қолдилар.
Кофирларнинг қорасини ҳам кўрмасдан у ерга,
Паришон ва тушкун аҳволда кириб келган эдилар.
Комий, таърихини сўраб келганга айт сен энди,
Жавобида ушбуни: «қочиб қолди, қаноти қайрилиб,
Ислом аҳли ёмон кофирларнинг қўшини ҳужумидан].

«Лашкари куффор шарр» иборалари таърих моддаси бўлиб, «аҳли ислом» сўзига ишора қилингани учун бир юз ўттиз беш сонига тенг «бол» сўзи чиқариб ташланиб, бундан бир минг икки юз етмиш (1270/1853-54) сони ҳосил бўлади.

**Хон тўра ва Халифахон тўра ва Валихон тўра деб ном олган кошғарлик тўраларнинг
Кошғарда майдонга келиши ва ул вилоятни фатҳ этиб, тотор куффорининг қўлидан тортиб
олгани баёни**

Чанд шаҳр аст Ироқ, аз роҳи тахмин гўянд,
Тўлу арзаш сад дар сад буваду кам набувад.
Исфаҳон к-аҳли жаҳон жумла муқирранд бадон,
К-андар ақолим чунон шаҳри муаззам набувад.
Ҳамадон жойи шоҳон к-зи қабали об-ҳавояш,
Дар жаҳон хуштар аз он буқъаи хуррам набувад.
Қум ба нисбат кам аз инҳост ва лекан он ҳам,
Нек-нек арчи набошад, бади-бад ҳам набувад.
Маъдани мардуми-ю жуду карам, шоҳи билод,
Рай бувад, Рай, ки журе дар ҳама олам набувад.
Буқъаи шаҳри Бухорост ба номаш шараф аст
Ҳоким, ба адилаш шоҳи Ажам кам набувад.
Шаҳри Хўқанд аз ҳама шаҳрон муаззам ба шараф,
Ному овозаи он аз ҳама жо кам набувад.
Кошғар аз рўйи насаб аз ҳама шаҳр он авлост,
Тахти ҳукм қадами кофир парчам набувад.
[Эронда бир неча шаҳар бор, тахминдан айтишларича,
Бўйи ва эни юзга-юз бўлур, шундан кам эмас.
Исфаҳон кичкина бир жаҳон, бунга ҳамма амин,
Ки олам аро бундай муаззам шаҳар сира йўқдир.
Шоҳлар жойи Ҳамадон, об-ҳавоси жихатидан,
Жаҳонда ул ям-яшил юртдан яхшироғи бўлмаёжак.
Қум шаҳри булардан нисбатан кичик, лекин у ҳам,
Жуда яхши бўлмаса-да, унчалик ёмон ҳам эмас.
Шаҳарлар шоҳи, одамгарчилик маъдани, саховат кони,
Эрур Рей шаҳри, Рейнинг дунёда ҳеч бир тенги йўқ.
Бухоро шаҳрининг номида шарафдир ҳоким,
Ажам шоҳида ҳам бунчалик муносиб унвон бўлмас.
Шарафда Хўқанд шаҳри барча шаҳарлардан муаззам,
Номи-ю овозаси ҳеч бир ерда сира ҳам кам бўлмас.
Кошғар насаб юзасидан барча шаҳарлар аълосидир,
Кофир қадамнинг ҳукми остида байроқдор бўлмас].

Ушбу варақлар қораламасини ўқиётган доно шиорлик ўқувчилар кўнгилларидан яширин қолмасинким, бу китобга киритилиши лозим бўлган хожалар ҳақидаги воқеалар саҳву хато ўтиши сабабли бир чеккада қолиб кетиб, эндиликда муаллиф муфассал кўринишли бу воқеалар баёнини шундай айтадики, ҳазрат *махдумий* аъзамий авлодидан ҳазрат Юсуф хўжам Кошғарга бориб, Кошғарни фатҳ қилдилар. Наслдан наслга фарзандлари ҳазрат эшон Офоқхўжа¹⁹⁵² ва Хўжам

¹⁹⁵² Офоқхўжа (1625, Кумул, Шарқий Туркистон – 1695, Қўқон қишлоқ, Қашғар вилояти) – ислом ва тасаввуф илмининг йирик тарғиботчиларидан бири ва Ёркенд хонлигида тахтга ўтирган хўжаларнинг дастлабкиси; Туркистон тасаввуф илмининг раҳнамоларидан Маҳдуми Аъзамнинг авлоди. Офоқхўжанинг исми Ҳидоятulloҳ бўлиб, у халқ орасида ҳурмат белгиси бўлган ”Офоқ” (“Ёруғ дунё” ёки “Ёруғлик эгаси”) – хўжа номи билан машҳурдир. Офоқхўжа ёшлигида отаси Муҳаммадюсуф ибн Эшони Калон билан турли шаҳарларда юриб билим ва тарбия олган. 1638 йилда Қашғарга келиб, отаси вафотидан сўнг бу ердаги октоғлик хўжаларга бош бўлган. 1670 йилда Ёркенд хонлигида юз берган ички курашлар натижасида Офоқхўжа Қашғарни тарк этиб Туркистон шаҳарларида, қалмоқлар (ойротлар) орасида ва Хэши йўлагидаги (Хэси-цзоулан) вилоятларда диний тарғибот ишлари билан шуғулланган. 1678 йилда Тибетда икки йилга яқин яшаган ва бу ердаги будда дини вакиллари билан яқин алоқада бўлган. 1680 йили Тибет зодагонлари ёрдамида ойротлар хони билан танишган. 1681 йилда қалмоқлар томонидан Ёркенд хонлиги тахтига ўтказилган. Унинг жасади Ёғду деб номланган жойдаги ота-бувалари қабри ёнига дафн этилган. Шундан бошлаб ушбу қабристон “Офоқхўжа мозори” деб номланиб, зиёрат масканига айланган. Офоқхўжанинг Хонхўжа (Хўжа Яҳё ибн Хўжа Ҳидоятulloҳ ибн Хўжа Муҳаммадюсуф ибн Хўжа Муҳаммадамин ибн Маҳдуми Аъзам Даҳбедий) ва Кунхўжа (Хўжа Бурҳониддин) сингари ўғиллари сулола давомчилари сифатида Шарқий Туркистондан ташқари Ўрта Осиёда ҳам катта обрўга эга бўлишган. Яна қаранг: Шарқий Туркистон хожаларидан Маҳдуми Аъзам авлодлари шажараси // Турон тарихи. Оммабоп мажмуа. 1994. – №3. – Б. 9-12.

Подшоҳхўжа Ойхўжа ва Кунхўжа¹⁹⁵³ кўлида сақланиб келган ерлар сўнг Чин кофирларига кўлига ўтди. Ул шариф зотлар авлодлари эса доимо улуғ боболари ўринбосарлиги орзусини кўнглининг бир бурчагига тугиб, фурсати етиб, ул вилоятга бирор халал ва захмат етказишни ният қилиб юрардилар. Тўғрироғи, бугина эмас балки у ерларда ҳукумат ҳам қилиш фикридан ҳам холи эмасдилар. Чунончи Жаҳонгир тўра ана шундай қилиб, бир неча кун ҳукумат юргизган эди. Аммо сўнг кофирлар кўлига асир тушди. Бу воқеалардан бир бўлаги ушбу китобда ёзиб кўрсатилган эди. Шундан сўнг Хўқанд хони Муҳаммадалихон //230^a ғазот орзуси кўйига тушди. Муҳаммад Юсуфхўжани Самарқанддан олдириб келиб, ул жаноб билан бирга Кошғар вилоятига кетди. Жаҳонгир тўра Кошғарни фатҳ қилган вақтда кофирларнинг Гулбоғ номли қалъасини қамал қилган эди. Муҳаммадалихон ҳам бу ерга келиб, бир неча вақт Гулбоғни қамал қилиб, мурод-мақсадига етиша олмай, Хўқандга қайтиб кетди. Юқорида айтганимиз Муҳаммад Юсуф хўжамнинг фарзандлари бузруквор оталаридан сўнг ҳар бири ул вилоятни фатҳ этиш талаби билан журъат қадамини олға босардилар. Ул вилоят аҳолиси ҳам қадим ул-айёмдин бу хўжаларга эътиқод қилувчи муридлари, балки эътиқод ва ихлос юзасидан хотин ва болалари номини табаррукан «хўжа» кўйиб, аларнинг мирзо ва ғуломлари сифатида хўжалар қадами етиши билан шаҳар ва қишлоқларнинг барча фуқароси жону дилини улар йўлида гаров тикардилар. Аммо кофирларнинг озгина ғалабаси билан орқага қараб қочардилар. Шунинг натижасида ул бечоралар кофирларнинг меҳнати балосига мубтало бўлиб, неча минглари шахидлик даражасига етиб ва неча минг киши ватанни ташлаб, молу мулкдан айрилиб Ўш, Андижон, Шаҳрихон, Марғинон ва Хўқанд вилоятларига келгандилар. Йўл оралиғи масофасида жойлашган тоғу тепалик, чўллар оша келган кишиларнинг кўпи қиш ҳавосининг совуғи ва ташналиқдан ҳалокатга етар эдилар. Чунончи Жаҳонгир тўра фаторотида ўлганлардан ташқари юз мингга яқин, балки кўпроқ аҳоли кўчиб ва Эшон хўжа тўра қочишида эса яна ўшанча одам ҳалокатга учраганди. Валихон тўра замонида ҳам шундай воқеа рўй бериб, бу варақлар қораловчиси камина ўша замонни кўрган киши саналаб, ҳаммасини ўз кўзим билан мушоҳада қилганман. Шу воқеалар асносида Таваккал тўра лақаби билан танилган Сайдо Муҳаммадхўжа афғон бир неча вақт Янги Ҳисор ва Ёрқанд¹⁹⁵⁴ устига ҳамла қилиб, барчани ташвишга солган эди. Бу каби бўлиб ўтган ҳодисаларнинг ҳар бирини ёзиб, яъни ҳар хирмандан бир бошоқ териб, ёдгорлик сифатида баён саҳфасида аён қилинғусидир, иншооллоҳи таоло.

Барча ишлар тартиб-назмини ўз ихтиёри ва бани одамнинг тақдир тизгинини кудрат кўлида ушлаб турган ҳазрат молик ул-мулуки олам иқтисоси билан « Аллоҳнинг изни билан унга подшоҳлик берди»¹⁹⁵⁵ деганидек, олам олишлик ва жаҳондорлик фармонини «айримларингизни айримларингиздан юқорироқ даражаларга кўтариб кўйган»¹⁹⁵⁶ ҳукмича осмон авжи //230^b ва кайвон тепасига ўрнатади. Кимни абадий бахт саодатга етказишни хоҳласа, шунга ёрдам бериб, бу илоҳий тақдир унинг жаҳонбонлик пойдеворини мустаҳкам қилиб, ҳукумат тахтини безашида мададкор бўлади. Чунончи хожазодалар бошига Мусулмонқули замонида Кошғар ҳукуматини тортиб олиш орзуси тушиб, бу истак оташи учқуни алангалай бошлади ва кунлардан бир куни ўзларини душманлар хавфи ваҳмидан тинч кўриб, фароғат замони ҳосил бўлгач, бор навкарлари билан малики мастабон иноятча асл ватанлари ва туғилган меросий маконларлари бўлмиш Кошғар сари юзландилар. Чунки дилларини ана шу жаннатга менгзир ўлкани қайтариб олиш нияти ҳеч ҳам тарк этмаган эди. **Байт:**

Кошғар номи накў аз гуҳари покаш ёфт,
 Ҳамчунонки ҳарами Макка замини батҳо.
 [Кошғар деган яхши номни пок гавҳаридан олди,
 Макка ҳарами водийси ерларидан топганидек.

Алқисса, неча бир йўллар ва тоғ сўқмоқларини босиб ўтиб, дарё ва сойлардан кечиб, мақсад сари юз тутдилар. Ул вилоятнинг теварак-атрофига яқинлашгач, ўша ерда турган оз сонли кофирлар улар йўлини тўсиб чиқиб, хўжазодаларга қарши мудофаа ва душманни тор-мор этиш жангига киришдилар. Хўжазодалар ҳам темир совутни тешувчи бир гуруҳ ботирлар билан кофирлар устига ташланиб, аслзодаларнинг бу озгина бақирӣқ-чақирӣқ ва дўқ-пўписани кўрган душман эса хавф ва даҳшат ичида қолган кўйи ул манзилдан қайтиш жilовини буриб, кўрққанча ўзини Гулбоғ қалъаси

¹⁹⁵³ Ойхўжа ва Кунхўжа – Оффоқ хўжа ўғиллари – Хон хўжа (Хўжа Яҳё ибн Хўжа Ҳидоятуллоҳ ибн Хўжа Муҳаммадюсуф ибн хўжа Муҳаммадамин ибн Махдуми Аъзам Даҳбедий ва Кун хўжа (Хўжа Бурҳониддин)лар назарда тутилмоқда.

¹⁹⁵⁴ Ёрқанд/Ёрқент – қадимий номи Сақараўл, хитойча Шачэ — Хитойнинг Синьц-зян-Уйғур мухтор республикасидаги шаҳар, Қашқар вилоятининг Ёрқенд тумани маркази (1980 й.гача Қашқар вилояти маркази). Такламакон чўлининг ғарбий қисмида, Ёрқенддарёнинг ўнг соҳилида, 1200 м баландликда жойлашган.

¹⁹⁵⁵ Қуръони карим, 2:251.

¹⁹⁵⁶ Қуръони карим, 6:165.

ичига урдилар. Хўжазодалар қийинчиликсиз бош оғриқисиз Кошғар вилоятини эгаллаб, танга киргувчи мангу ҳаёт ёки зулмоний оламни безовчи қуёш нури каби ул шаҳарга қадам қўйдилар. Ва ул диёр халқидан кимнинг бахт дийдаси уйғоқ бўлса, кўзлари билан ўзларининг офтоб талъатли хўжазодаларини кўриб, беихтиёр дуо ғулғуласи ва сано товушини кўк осмон гумбазига еткардилар. Қудратли ва аъло Ҳақ ҳамди лавозимига киришиб, хушдил ва шодмон бўлиб, тилларидан «султоннинг шаҳарда бўлиши, руҳнинг баданда бўлиши кабидир» сўзлари жорий бўлиб, «ҳақиқат вофир атияти иннаоллоҳ таолол алтлфи хафитятан» ҳикмати барчанинг олдида равшан бўлди. Ва давлатхоҳлик тили раҳмдил сақловчи шукри бобида айланиб, кутлов ва муборакбодлик сифати етти қат кайвонидан ўтди. Ва бошқа хўжалар ўринбосарлари ичида етуги ва ашрафи бўлмиш Эшонхон тўра ҳукумат тахтига ўтириб, шакар сочувчи тилини яратгани эгам ҳамди саноси учун очди ва ёнига бойми-ашраф, каттами-кичик, ўзбекми-тожик, қирғизми-қозоқ, мусулмонми-қалмоқдан ким йиғилган бўлса, бир чеккадан ҳаммасининг ҳол-аҳволини сўраб чиқиб, эзилган камбағаллар ва заифларга чексиз марҳамат ва илтифотлар кўргузди. Мақсади ҳосилликнинг бахтли тахтига қадам қўйгач, //231^а осмондаги ой каби халқ йўлини ойдин қилди, улар сари марҳамат эшигини очди, ҳол сўровчи лабидан бол томизди, дил ғунчаси сингари оламни шод айлади.

Эшонхон тўра маҳдумий аъзамийнинг хонлик тахтига ўтиргани ва жаҳонбонлик ўриндигига чиқиб, хутба ва танганинг унинг атоқли номи билан безангани баёни зикри

Яздоний кўмак воситаси ва каёний афсарга лойиқ соҳибқироний тахт безовчиси бир саодатманд бўла олурким, давлат ва иқбол унга салтанат ва истиклол матлаъси тулу қилгай, номуродлик водийси саргашталарига ўз лутфу инсофи соясида жой бериб, қахр ва азоб офтоби тобидан қутултиргай. Иқбол ниҳолини шундан ўтқазгайки, ҳукумат ва дилдорлик соясини саргашталар боши узра ёйгай. Шунга кўра номдор амирлар ва эътиборли вазирлар фармонга биноан подшоҳлик ишларига зарур асбоб ва олотга тартиб бериб, адолат чодирини кайвон айвони ва осмон тепасигача кўтаргайлар. Айшу нишот ва ишрату хушчакчаклик базмини ораста қилиб, қувонч орттирувчи «Ана ўшалар учун маълум ризқ, (ҳар турли) мевалар бўлур¹⁹⁵⁷» мазмунича тайёрлагайлар. Оғо-инилар, қариндош-туққанлар эса «асҳоба ка анжум» (йўлдош юлдузлар каби) унинг тобеълигига тиришиб, парвонадек давлат ихотаси ва ҳукумати итоатига ризолик бошини қуллукчилик учун индиргайлар. Шуларнинг барчаси амалга ошиб, ёру биродарлар мазкур хўжа хизматида етук ишларни амалга ошириб турдилар. Барча ишлар бўйича халқнинг ҳар табақасидан йиғиб, чексиз ва қудратга тўла қўшин тўплаб, ҳар куни кофирлар ўтирган Гулбоғнинг ён-атрофини камал қилдилар ва тўпу туфанг ўқлари остига олиб, қалъага югуриш ва шовқин-сурон солиш ишлари билан машғул бўлдилар. Шу каби воқеалар билан тўрт ой, балки ундан ҳам кўп вақт ўтди. Аммо ул кофирларнинг бир туки ҳам тўкилмади ва қалъа фатҳи муяссар бўлмади. Ана шу кезларда уларга ёрдам учун бир неча минг кофир хитойлар Ёрканд вилоятига етиб келишга улгурди ва кофирлар келгани овозаси мусулмонлар турган ергача ёйилди. Жаноб тўранинг шахсан ўзи чексиз қўшин билан ул худуд сари йўналиб, Ёрканддан уч фарсахлик масофа беридаги Кўк работ мавзесигача борди. Ул тарафдан ҳам кофирлар яъжуж-маъжуж каби тўранинг йўлини тўсиб, Аҳриман гавдали ва дев кўринишли //231^б кофирлар қасос олмоқ ва адоват жангига киришмоқ мақсадида ғозийларнинг йўлида тўғон бўлиб туриб олдилар. Улар билан бирга мусулмонларга қарши урушга жазм қилган кофир гуруҳ бу борада ўз сардор ва амирларига Лот ва Манот каби бошқа барча бутларига қасам ичиб, танида жони ва баданида руҳи борича ислом мужоҳидларига қарши курашга аҳду паймон қилдилар ва Мухаммад алайҳиссалом суннати тариқининг ғозиларидан кўрқиб қочмасликка ваъда бердилар. Бу хабарни эшитган заҳоти шершикор ғозилар ва замона ботирлари ҳам кофирлар ҳужуми зарбаси олдида тоқат билан қараб тура олмай, сабру қарорлари устунни бир-биридан ажраб, қаттиқ жангга киришдилар. Ўша куниси тонгдан то қош қорайгунча уруш машғаласи ловуллаб турди. Ва ўз кучини синовчи ботирлар қувват ва мардоналик билаги билан етук саъй-ҳаракатлар қилдилар. Аҳриман кўринишли қонхўр кофирлар лашкари ҳам бунга чидам бериб, улар билан тенг, балки ундан ҳам устун равишда жанг қилардилар. **Назм:**

Кашиданд шамшери кин аз наём,
Гулу лоларо талх гардид ком.
Чу шамшару кин раҳ ба наззора баст,
Нигоҳаш ба хун то камаргаҳ нишаст.

¹⁹⁵⁷ Қуръони карим, 37:41-42.

Ба ҳасрат зи майдон инонтоб шуд,
Катонаш ба торожи маҳтоб шуд.
[Кина қиличин суғурдилар қинидан,
Гул ва лоланинг томоғи шўр бўлди.
Шамшир ва кина наззора сари йўналгач,
Нигоҳи белигача қонга тўлиб ўтирди.
Ҳасрат ила майдондан жиловин бурди,
Катонини маҳтоб талон-торож қилди].

Ўша пайтда Мусулмонқулидан қўшиннинг катталари ва сардорлари бўлмиш Олимбий, Хадир бий *қирғиз* ва бошқаларга кетма-кет хат келиб, унда нима қилиб бўлса ҳам Тўранинг йиғинини тарқоқлик сари юз тутишга уриниб кўришлари битилган эди. Улар бу хатдаги хабарни ўқиган заҳоти хайрли ишдан кўра ёмонликни афзал кўриб, вақтни ғанимат билганча айни уруш қизиби турган бир пайтда шундан яхши баҳонани топа олмай, беқарор қадамини «имтиҳон қилиндилар ва қаттиқ ларзага тушдилар»¹⁹⁵⁸ мазмунича ҳақ йўлидан тойдириб, ул оқибати йўқ жамоа ва бировга хайри тегмайдиган ул гуруҳ лашкарнинг қалб ва қанот қисмини худди ўзларининг бузилган юраклари каби бир тарафдан бузиб, орқага қарамай қочиб кетдилар. Қўшиннинг қолганлари ҳам кўрқувга тушиб, қанча қилмасинлар ўзларини тўхтатиб тура олмадилар ва «гўё ёйилган чигирткалар каби»¹⁹⁵⁹ ояти мазмунича, ҳар тарафга ёйилиб-сочилиб кетдилар. **Назм:**

Пароканда он хайли бе пову сар,
Фитоданд ҳар як ба сўйи дигар.
Якero дар афтода аз сар кулоҳ,
Дигарро сар афтода бар хоки роҳ.
Якero таковар дар омад ба сар,
Зи пушти таковар афтод он дигар.
Ниҳоданд дар дашт сар ҳамчу бод,
Ба ҳоле ки он ҳол касро мабод.
[Ул қўл-оёқсиз пароканда тўда,
Тушдилар ҳар қайси бир тараф.
Битгасининг бош кийими учди,
Бировин боши йўл узра юмалади.
Бирини эса таковар эзиб-янчди,
Униси таковар сағрисида қулади.
Қўйдилар бош даштга шамолдек,
Бундай ҳолга тушмасин ҳеч ким].

//232^a «Яқинда ўша жамоат енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар»¹⁹⁶⁰ каримаси маъноси юзага чиқиб, Тўра ўзига қарашли қўшин билан Янги Ҳисорга етишиб, истиқомат лангарини ташлади. Аммо кўп фурсат ўтмай, динсиз кофирлар буларнинг орқасидан келиб, Янги ҳисорга ҳам яқинлашдилар. Хўжамиз синиқ дилларни тузатувчи жаббори эгамга таваккал қилиб, ёнида бор қўшин билан чиқиб, нобакорлар рўпарасида саф тузиш ва иш буюришга киришмоқчи бўлди. Бироқ ул бахтсизнинг пешонасига давлат бахти насиб этиши буюрмаган экан, лашкарнинг кўнгли совиган аскарлари душманга қарши курашишга дош бера олмай, «орқаларига бурилиб қочурлар»¹⁹⁶¹ самтига мавсум бўлиб «У кунда киши ўз оға-инисидан ҳам қочур»¹⁹⁶² сифатида Кошғар йўли бўйлаб қочиб қолдилар ва озгина юриш билан Кошғар қалъаси ичига кирдилар. Ўша кун кечаси ишларни саранжомлашга киришиб, эртасига тонг билан зар юзли офтоб машриқ уфқидан балқиб чиқиб кўриниш бергач, осмоннинг тез юрар аблақи куёши хусравини ҳаракатга киритгач, нужум лашкари хужумини зарафшон шамшер зарби ва зар нишонли найза зарбаси билан қайтариб, пароканда қилгач, **байт:**

Сари субҳ к-зи шоҳи машриқ хужум,
Пароканда гаштанд хайли нужум.
[Тонгда машриқ шоҳи хужум қилган чоқ,
Тарқалиб кетди юлдузлар йиғини тез].

¹⁹⁵⁸ Қуръони карим, 33:11.

¹⁹⁵⁹ Қуръони карим, 54:7.

¹⁹⁶⁰ Қуръони карим, 54:45.

¹⁹⁶¹ Қуръони карим, 17:46.

¹⁹⁶² Қуръони карим, 80:34.

Кошғар шаҳри дарвозасидан чиқиб, Хўқанди латиф сари йўналдилар. Бечора фуқаролар кофирлардан кўркқанидан ваҳима ичида хўжалар кетидан мулку молини ташлаб, фақат йўл тўшасини олган кўйи юз нола ва оҳ билан хотин ва бола-чақаси ҳамроҳлигида пиёда ва отлик, неча минг халқ зор-зор йиғлаб, ташна ва қорин оч келмоқда эдилар. Беш яшар-ўн яшар болалар очликдан йўл юра олмай, тириклайн тошлар тагида қолиб борар ва айримлари йиғи-сиғи қилиб турган ерларида ўлиб қолардилар. Устига-устак қишнинг совуқ ҳавоси ҳам тобора авж оларди. **Назм:**

Аз баски зи ҳад гузашт сармо,
Ҳар кас мегуфт вой бар мо.
Мардум ҳама дасту по фусурда,
Монанда дасту пой мурда.
[Ҳаддан ошиб совуқ ҳаво,
Ҳолимизга вой дерди одамлар.
Халқ ҳаммаси кўл-оёғи қисилган,
Худди ўликнинг кўл-оёғидек].

Шу бедармон ҳолда ўлиб, йиқилиб-туриб Ўш вилоятига кириб келдилар. Бечоралар ўта даражада камбағал бўлганидан, ўзларининг қизларини шарҳи никоҳ билан бир тилло-ярим тиллога одамларга сота бошлашди. Хўжа ҳам Хўқанди латифга кириб, амири валинаъмининг қўлини ўпишга мушарраф бўлди. Амири валинаъми хўжалар ҳақида //232^b меҳрибонлик лутфларини дариг тутмай, уларга ҳеч бир зиён-заҳмат етказмади. Бу хабар Кошғарда хитой кофирлари номидан Кошғар ҳукуматини бошқариб ўтирган Зухуриддинбек Турфонийнинг қулоғига етишиб, ул нияти бузуқ бу гап одамлар орасида ҳам ёйилгач, маслаҳатлашиб, Кошғар шаҳрини ихота қилиш учун бир қалъа қуришга келишиб олди. Бу ишга мусулмонлар ва кофирлар рози бўлиб қалъани қуришга киришдилар. Ва бир минг икки юз эллик тўртинчи йили (1254/1838-39) қалъа қуриб битказилди. Бу ҳақда мулло Али қори Қундузий Кошғар қалъасининг қурилиш таърихини назм тизимида чеккан эди.

Таърих:

Онки аз баҳри номи некўяш,
Ёфт, бар рўйи дин зухури вужуд.
Волии мулки Кошғар шуд, чун,
Буд амни халойиқаш мақсуд.
Ончунон қалъае ба даври шаҳр,
Кард таъмир кори нафоаш буд.
Бартар дар иймон, забон зи он рў
Кас ба тавсифи арзи ў накушуд.
Баҳри таърихи ў «бурун аз дил,
Бонии ин бино зухур намуд».
[Яхши ном чиқариш учун ул,
Дин узра вужуди топгач зухур.
Кошғарнинг волийси бўлди,
Халқ тинчлиги эди мақсади.
Шундан шаҳар атрофига қалъа қурди,
Бу иши иймонидан яхшироқ эди.
Шунинг учун ҳеч ким тил, оғзини,
Эни-бўйи тавсифида мақтовга очмади.
Унинг таърихи учун дилдан ташқари,
«Бу бино қурувчиси зухур» қилди].

Ёпиқ қолмасинким, «бонии ин бино зухур» иборатлари таърих моддаси бўлиб, ишорат қилган «дил аз он» лафзи исқот қилинса, бир минг икки юз эллик тўрт (1254) сони ҳосил бўлади.

Саййид Аҳмад хўжа Афғон номи билан танилган Таваккал тўранинг Уч Турфон томонга кетгани зикри

Замон ҳодисалари, жаҳон воқеалари давроннинг аён кўнгилли кишиларига ушбу тарзда баё қилинадиким, қилчоқлар бир-бирларига қарши муҳолифатни бошлаб, ярми Хўқандга ва қолган қисми Тошкандга кетган ўша вақт ва мазкур замонда дардмандликка ёрдам излаб, асли Ҳиндистоннинг Бажовар вилоятидан ва ҳазрат Али Ҳамадоний авлодидан бўлмиш Таваккал тўра Афғон бир неча йил мусофирлик юкини Ёрканд вилояти ва Кошғар, Хўқандда елкасига ортганча судраб, ҳамиша саъй-

ҳаракат ҳимматини Хитой кофирларини тор мор этиш ғазотига қаратиб, кўп вақтини уларга қарши жиҳод урушида ўтказарди. Ўша вақтда Тошкандда турганча рухсат ҳосил қилиб, барча кофирлар юрагига таҳлика солганча Уч Турфон вилояти аҳолиси ва қаерда душмани бўлса, улар орасига ҳам ваҳима уруғини сочишга бел боғлади. Мазкур Тўра бу борада баракатли фотиҳа олгач, //233^a озгина одами билан Тошканддан чиқиб, Авлиё Ото йўлини ихтиёр этиб, уруш сафарига отланди. Анча вақт йўл юриб, қийинчиликларни енгиб, узоқ сўқмоқли биёбон йўли ва дарёларни кечиб, *қирғиз* кабилалари ўтирган ерга етишди. Бир неча вақт шу ерда фароғат ва ҳаловат ҳосил қилиб, истиқомат палосини ёйди. Анча-мунча дам олиб, ҳордиқ чиқаргач, қўлидан иш келувчи икки юз нафар жасур донгдор кишини ўша ердан ҳам танлаб олиб, ўз навкарлари ҳамроҳлигида Уч Турфон томонга равона бўлди. Анча йўл ва чўлларни босиб ўтгач, Уч Турфонга қарашли қишлоқлар тавобеотига етишиб, зафар гавдали нусрат аломатли байроқни ўша ерга тикиб, мардоналик ва шижоат, бирдамлик ва жондан кечишлик камарини белларига боғладилар ва бу хислатларни ўзларига шиор қилиб олган кўйи қулай фурсатни кутиб ва ул халқнинг бу ишга кўнгиллари келишига кўз тутиб, дам олиб ётдилар. Бироз вақт ўтгач, ҳар бир қишлоқ ва даҳа ичидан буларга қўшилмоқчи бўлган кўнгиллилар билдирмасдан чиқиб, бир-бири билан кўришиб, сафга тизилдилар. Сўнг ҳаммаси биргаликда душман сайду шикор учун яратган эгамнинг фазли саодатига умид боғлаб, юзларини ул сигир кўринишли, эшак кирдорли кўшин сари қаратиб, қўлни найза ва санчки, шамшир ва жон олувчи ўқ-камонга чўздилар ва араб насли учкур урушқоқ тақоварларга қамчи солганча ҳеч тап тортмасдан ўзларини душман қалбига урдилар. Душманлар ислом муборизлари ҳамласига қарши дош бера олмай, қочиш орқасини уруш панжасига тутқазмай, «ўз вақтида қочиш яхшидир» мазмунича орқага қайтиб кетдилар. Шу аснода саодат дастгоҳли баҳодирлар муҳолифлар орқасидан кириб, ҳамла шамолини кўтариб, қувлаб кетдилар. Енгилиш сурати чизилгач ва фатҳ келини яхшилик юзасидан чиройли хуснидан парда кўтаргач, **байт:**

Зи шерон гурезон шуданд охувон
Зи тан рафта тоб зи бозу тавон.
[Охулар шерлардан қочгувчи бўлди,
Тандан бардош, билакдан куч кетгувчи бўлди].

Уруш кишилари душманни шикор тариқасида уриб, тутиб, боғлаб бормоқда эдилар. Фақат икки-уч қишлоқдан ўтказиб юборгачгина қарор топиб, нафас ростладилар. Аммо шу ҳолатда қисик кўзли *қирғиз*лар даҳа ва қишлоқ аҳолисига раҳм қилмай, уларнинг молу амволини йиғишга киришиб, зўрлаб олинган нарсаларни келтириб, бир ерга тўплай бошладилар. Буни кўрган ул тараф музофотлари аҳолиси ғамга ботиб, ҳар қайси даҳа, //233^b қишлоқ оқсоқолларининг ўзлари алоҳида-алоҳида ҳолда пешкаш ва айрича шаклда тортуклар тартиб бериб, мужоҳидлар ҳузурига етишдилар. Яхшигина узрхоҳликларни баён қилиб ва ҳар бири ўз гуноҳини тушуниб, айбларини бўйнига олган кўйи «гарчи бизлар зоҳирда кофирларнинг фуқаролари бўлсак-да, аслида ўзимиз мусулмон ва мусулмонзодалармиз. Ҳаниф дини миллати ва ислом мазҳабига ихлос ва эътиқод юзасидан хўжаларга қулмиз. Биздан не беадаблик кечган бўлса кечирсангизлар. Қилган ишларимиз хато ва саҳвдир. Узримизни қабул қилинг ва хатоларимиздан ўтинг, айбларимиздан кечинг» дедилар. Чун ул бечоралар ўз арзи ниёзини неча минг ажзу шикасталик билан Тўра ҳузурига илтижо қилгач, Тўранинг қалбига раҳм-шафқат ҳисси иниб, уларга раҳм қилди ва гуноҳларидан кечди. Мол ва ҳайвондан қанча ўлжа олинган бўлса, барини қайтариб берди. Аммо, бир сигир туёғига мингта онасини сотувчи кўзи қийиқ *қирғиз*лар ул ҳол ҳолни кўриб, ҳаммаси Тўрадан юз ўгириб, ўз тавсани жилловини кабилалари томон буриб, орқага қайтиб кетдилар. Тўранинг навкарлари кам бўлганидан бу ерда тўхтаб турмай, кўрқув ичида булар ҳам *қирғиз*лар кетича дарҳол олға сари йўлга тушдилар. Бир қанча чўл ва биёбоннинг сўқмоқли ва катта йўл ва кўп манзилларни босиб ўтиб, Кошғар шаҳри яқинидаги Валихон тўра *махдумий* аъзамий кўш ташлаган Орташ мавзесига келдилар. Ҳар икки тўра бир-бирига етишиб, бир-бирини жон оғушига тортганча ҳол-аҳвол сўрашдилар. Шундан сўнг ҳар борадаги савол-жавоб гапларига тушдилар. Еб-ичкуликдан нима тайёр бўлса, дастурхон узра тортиб, ҳар хил таомлардан бир-бир лаззат таъмини татиб кўргач, ҳар ким ўз қўшига кетиб, фароғат ҳосил қилдилар. Шу зайл бир неча кун ўтди. Бир куни Валихон тўра негадир Таваккал тўрадан гумонсираб, шу ҳадик юзасидан уни ушлашга қарор қилди. Бу маънидан Тавккал тўра огоҳлик топиб, ярим кечаси минг хил тадбир-чора билан хўжанинг лашкари ичидан чиқиб, қочиш йўлини тутди. Ва бир неча //234^a кундан кейин келиб, Хўқанди латиф ичига кирди. Мулло Али қори Қундузий Таваккал тўранинг Уч Турфон диёрининг кофирларга қарши жанг қилгани ва кофирлар қочгач, мазкур тўранинг Кошғар устига келгани ва унинг қўлида кўп кофирларнинг ўлдирилгани санасини таърих шаклида назмга чеккан эди. **Таърих:**

Гарчи аз кофирони хиттаи Кошғар,

Таваккал гирифт роҳи фирор.
 Бар сари ҳарифони Уч турфон,
 Дар рафта бо он сагон кор.
 Гудози жанг кард ончунон, ки бар дасташ
 Кушта гаштанд мушрикони бисёр.
 Хиради нуктадон пайи таърих,
 Гуфт, Комий, маро шуда безор.
 Аз «сари зиндаги» зар, мурданд,
 Дар жиҳоди Таваккал, куффор.
 [Кошғар юрти кофирларини деб,
 Таваккал юксаклик йўлини тутди.
 Уч Турфон душманлари томон,
 Борди ул итлар устига чунон.
 Шундай бир уруш қилдики,
 Қўлида кўп мушрик қони тўкилди.
 Доно ақл таърихида деди, Комий,
 Зар учун бу ҳаётдан безор бўлдим,
 Таваккал жиҳодида кофирлар ўлди].

Яширин қолмасинким, «сари зиндаги» сўзлари исқот қилинган ва бошқа амаллар бажарилган, бир минг икки юз олтмиш саккиз (1268/1851-52) сони ҳосил бўлади.

Таваккал тўра воқеасидан сўнг Валихон хўжа бир неча кун ўша ерда истиқомат қилиб, кўп муҳорибат ва сонсиз жангларда қатнашди ва Кошғар кофирлари билан кўп мартаба тўқнаш келди. Ниҳоят зафар насими лаънат аҳлининг кофирлари сари эсиб, Валихон хўжа мақсадига етиша олмай, ўз умиди эшигидан қувилиб, маънос бўлиб қайтди ва неча манзил-бекатларни ортда қолдириб, кечки бир маҳалда ўз ватанига келиб қўш ташлади. Мулло Али қори Қундузий мазкур Валихон хўжанинг Кошғар куффори муҳорибасидан енгиб қочгани санасини бир таърих орқали баён қилганди.

Таърих:

Валихон,ки дар хиттаи Кошғар,
 Ба азми жиҳод омад аз роҳи дур.
 Шуд анбон¹⁹⁶³ онжо ба сўяш равон.
 Ба фавжи хито ин ажабтар ки зўр,
 Наёварда ў шуд гурезон равон.
 Сўи дашт аз жанг чанге зухур,
 Накарда ҳамоно ки тадбир буд.
 Ва зи онгуна марди далер ин тафур
 Ва гарна ҳамин буд беҳ хўжаро
 Ки бар жояш нишаста гирад назур.
 Дар он шаб ки таърихи соли гурез,
 Намекард Комий ба хотир хутур.
 Бигуфто хирад: «нест бар рўйи дашт
 Гурезад Валихон зи найранг дур».
 [Кошғар ўлкасига Валихон,
 Жиҳод учун узокдан келди.
 Кофир ҳокимлар устига ташланди,
 Хитой аскарига кучи етмай,
 Орқасига қочиб кетди.
 Даштда чиқмади уруш чанги,
 Чунки кофир тадбир қўллади.
 Бўлмаса шу бир неча мард билан,
 Бу хўжанинг жойида ўтириб назр оларди.
 Ўша кеча қочганин таърихи, Комий,
 Хотирга сира келавермади.
 Ақл деди: дашт юзида ул йўк,
 Қочар Валихон найранг сабаб йироққа].

¹⁹⁶³ Анбон – Хитой амалдорларининг умумий номи.

Яширин қолмасинким «гурези Валихон» ва «найранг» сўзларининг ҳар бири таърих моддаси бўлиб, бошқа амаллар бажарилгач, бир минг икки юз олтмиш саккиз (12681851-52) сони ҳосил бўлади.

//234^b **Валихон тўра махдуми аъзамийнинг иккинчи марта борганда Кошғар вилоятини олгани ва ул вилоятда ҳукумат юргизгани зикри**

Барча ишлар жилов ва умум назму тартиб ҳамда бани одам тоифасининг ихтиёри тизгини анинг қудрат қўли ва иқтидор муштида бўлмиш ҳазрати молик ул-мулки олам, яъни Аллоҳи таоло жаҳон олишлик ва юрт сақлашлик фармонини ўзининг истак-иродаси билан кимнинг номига битса, ўша одамнинг хуршид кўринишли байроғини «айримларингизни айримларингиздан юқорироқ даражаларга кўтариб қўйган»¹⁹⁶⁴ ояти буйруғига биноан осмон авжи ва кайвон устига ўрнатади. Ҳар бир иш юзасидан мангу саодати учун мақсадга етишувида ёрдам беради ва ул одам қандай ишни бошласа, албатта унга кўнглидагидек қилиб муяссар этади. Ушбу воқеанинг тасдиғи Валихон тўрадирким, бу ҳақда баён хати қисқача тарзда қалам ёзуви доирасига киритилди. Валихон тўра Кошғар томонлардан қочиб келган вақтда хижолат ва шармисорлик юзасидан яшириниш пардасини боши узра тортиб, ўз уйида истироҳат қилди. Кеча-ю кундузи ўз одамлари билан замоннинг муносиб келишини пойлаб, ҳамиша Кошғар вилоятини орзуси ва бу ўлки айрилиғи дарди билан яшади. Ниҳоят бир куни бундай фурсат учун қулай вақтни қўлга киритиб, сони ўн беш-йигирма нафардан ошмас даражадаги кишилар билан бирга «Аллоҳга таваккал қилинг»¹⁹⁶⁵ ояти мазмунини ўз учун шиор билиб, «мен ўз ишимни Аллоҳга топширурман»¹⁹⁶⁶ буйруғини адо этиш мақсадида бир оқшом шаҳардан чиқиб, Кошғар вилояти йўлини тутиб, бадар кетди. Шунинг эртасига Хўқанд вилояти аро бу гап ёйилиб, замон хони Амири валинаъмининг қулоғига ҳам етишди. Ва хўжани дарҳол қайтариб келишлари учун кетидан қанча одами бўлса юбориб, тўхтатиб қолишни буюрди. Ул одамлар Гулшаҳ мавзесигача, балки Тиракшартгача бордилар, аммо уларнинг изининг чангига ҳам ета олмадилар.

Байт:

Ба суръат рафта аст аз кишвари хуш,
Чунон тез таку даве шунида аст гўш.
[Тезлик билан кетгандир хуш юртидан,
Шундай тез чопиш сасин эшитди қулоқ].

Ахийри маъюс ва паришонлик билан қайтиб келдилар. Жаноб Тўра ўша югур-югур билан кеча-ю кундузни баробар қилиб, қўрқмасдан ўзини Кошғар шаҳри дарвозасига ярим тунда етказиб, дарвозага ўт қўйиб, тамомила ёндириб юборди. Шу аснода вилоят киракашларидан //235^a бир неча нафари савдогарларнинг анча молини дарвозадан ташқари чиқариб, тонг билан уларни от-уловларга ортганча Хўқанди латифга олиб кетиш мақсадида шаҳар ташқарисида ухлаб ётишарди. Туйқусдан буларга дуч келиб, уларни ўз ҳолига қўймай, тонг палласи «замон замони Валихон тўрам» деганча шаҳарга кириб келдилар. Бу хўжаларга мурид саналган барча шаҳар ва қишлоқ фуқаролари ўз муқтадоси бўлмиш бу хўжа буйруғи билан қўлига чўбми, таёкми ёки кўзга кўринган нима бўлса олиб, кўча ва бозор, уй ва дўкондаги тотор кофирларини ва улардан қўйилган *доругабеги*¹⁹⁶⁷ ларни излаб топган ерида уриб ўлдира кетдилар. Бу воқеадан сал олдинроқ хабар топган шаҳар катталари, Ҳокимбек ва бошқалар ўз вақтида қочиб, Хитойга қарашли Гулбоғ қалъаси ичига кирдилар. Шаҳар халқи бузуқилар ва бидъат аҳли ва душман шарридан қутулгач, тўрани тўла иззат билан Ўрда ичига олиб кириб, барча бой-ашраф ва таниқли кишилар муборак бод қилдилар. Шу зайл Кошғар ҳукумати мустақил равишда тўрага тааллуқ топгач, хўжам тушмагур бундай шон-шавкатдан бутунлай ўзини йўқотиб, кеча-ю кундуз май ичиш, нозик ниҳол ёшлар билан маишат қуришга тушиб кетди ва ҳар онини хурсандлик билан ўтказишга одатланиб, уни ҳеч тарк этгиси келмади. Кўп ўтмай эса катта-ю кичик, бой ва камбағал, деҳқону хунарманд, савдогар қолмай йиғиб, барчасининг қўлига қурол тутқазиб, Гулбоғ қалъасини қамал қилиш учун отланди. Ўзининг Тилло бачча номли маҳрамини эса амири лашкар, яъни фатҳу зафар пойдевори қилиб, Ёрканд вилояти сари юришга тайинлади. Ул ҳам катта қўшин билан тотор кофирларини йўқ қилиш мақсадида журъат қадамини олға босиб, йўлга тушди. Шу йўл асносида Янги ҳисорга етишиб, озгина уриниш билан ул вилоятни фатҳ этди ва жаноб Тўрага фатҳу зафар баёни битилган хушхабар дебочали хат юбориб, сўнг Ёрканд устига қараб

¹⁹⁶⁴ Қуръони карим, 6:165.

¹⁹⁶⁵ Қуръони карим, 3:159.

¹⁹⁶⁶ Қуръони карим, 40:44.

¹⁹⁶⁷ Доругабеги – бу даврда қалъа комментанти ҳамда кўчманчи аҳолидан закот оладиган амалдор сифатида фаолият кўрсатган.

кетди. Анча йўл юргач ва манзилларни ортда қолдиргач, Ёрканд яқинига етиб келди ва унинг камалига киришиш мақсадида ўша ерга қўш ташлаб, чодирларини тиккан кўйи шу манзилда макон тутди. Кундан-кунга Тўра давлатининг тараққийси зиёда бўла бошлагач, хўжамиз қизил май ичиш зиёдалигини ҳам ҳаддан ошириб юбордилар. Назарига дўст қадрлари ҳам, душман зарари ҳам бир хил тарзда кўринадиган бўлди. Унинг ҳақорат назарли кўзига раоё ва фуқаро худди денгиздан бир томчи ёки хирмондан бир бошқ дон, йўқ-йўқ, балки кўкнорнинг бир дона тухумича ҳам кўринмасди. Текширмасдан туриб, ҳар бир ёмон кишининг сўзи бўйича ҳар кун қанчалаб одамларнинг хоҳ гуноҳкор бўлсин, хоҳ бегуноҳ бошларини танасидан жудо қилдирадди. Ҳайит Бокийбой баччанинг хикоя қилишича, бир куни тўра хўжам қизил майни бўкиб ичган кўйи Сафил қалъа томошасига чиқади. //235^б Бу дарвозадан то бу дарвозагача етгунча одамлар йўл асносида султонлик иззатини тутиб салом берар эдилар. Хўжа эса кимни кўрса «бу ким?» дея сўрар, «фалончи» деб жавоб берардилар. Шунда «ўлдилинг» дея буйруқ берарди. Шу йўсин билан йўл бўйи қирқ бир кишини аёвсиз қилич тифидан ўтказдилар. Хўжамиз ана шу аҳволда тўрт ой ҳукумат тахтида ўтирдилар. Уч мингга яқин, балки ундан ҳам кўпроқ гуноҳсиз кишиларни шахидлик даражасига етказди. Катта-кичик, сипоҳу раият барча бу ишга чора излаб топиш пайига тушдилар ва ҳар нарсага қодир эгамдан ёрдам тилар эдилар. **Байт:**

Субҳи содиқ марҳами кофур дорад дар бағал,
Гар иложе зи исён мекуни хушёр бош.
[Тонгнинг ёнида кофурдан марҳам дориси бор,
Исён-қўзғалиш давосини қилмоқчи бўлсанг хушёр бўл].

Шу ҳол асносида ул бечораларнинг тилаги ижобатга ёр бўлди. Хитой кофири ҳокими Айла Беклик *анбол* етишиб, Ёрканд устида Тилло бачча *амир лашикар*га дуч келишди ва биринча нафасдаёқ уни тум-тарақай тарқатиб юборишди. Қочиб қутулганлардан қолган-қутгани келиб, хўжага кўшилдилар. Уларнинг кетича хитой кофирлари секин-аста келиб, Кошғар яқинига етишдилар. Бечора хўжа бундай олишувга тоқати йўқлиги ва ул кофирларга қарши кураша олмаслигини билиб, бир кун олдин хазина ва дафина ҳамда аслаҳа ва яроқ ишларини саранжомлаб, Кошғар ҳукумати билан минг афсус ва ҳасратда хайрлашиб, Хўқанди латиф сари йўлга тушди. Кулфат ичра қолган фуқаролар эса кўч-кўлонини кўтарганча неча минг киши хотину бола-чақаси, молу мулкани ташлаб ташна лаб ва оч қорин билан йўлга тушдилар. Йўл ўртасида қазоси етганлари ўлиб, қолганлари минг бир кулфат ва машаққатда келардилар. Йўл асносида Каримқули *меҳтар* Ўрун хўжа исмли бир бадбахт хўжандликни тафтиш учун одамлар келаётган йўлга қўйган экан. Ул ноинсоф кофирлардан ҳам баттар иш қилиб, бечора қочқинлар ҳолига раҳм-шафқат этмай, уларнинг ўзлари билан кўтара қочган кўйи олиб келаётган ул-бул нарсаларини ҳам тортиб олиб ва чиройли оғачаларни ўзи учун ушлаб, бир неча кун фисқу фужурга машғул бўлдилар. Хўжа ҳам мангу уятлиғ бўлиб саҳро ва тоғ ўртасида юрарди. Бу ишларга қарши ҳеч бир чора тадорикини бирон мавзедан топа олмасди. Хуллас, ёнида бор бешми-ўнми одамлари билан шу янглиғ қочиб келмоқда эди. **Байт:**

Ноиложи бар сарам афтод мушкил шуд маро,
Чора//236^а жуйи аз ки жўям тоқатам чун тоқ шуд.
[Ноиложлик тушиб бошимга, ишларим чатоқ бўлди,
Кимдан бунинг чорасини излай, тоқатим тоқ бўлди].

Кундан-кун ҳаво совуқлиги ҳам кучая бошлади. Ўт-ўланлар, яшил кўкатлар гавдаси шалпайиб, кўм-кўк тоғу дашт ва далалардан файзу тароват қочди. **Байт:**

Дамбадам боди хунук лабҳои хубон кард кабуд,
Оҳ аз ин сарди ки ранг аз рўйи сурх оташ мерабуд.
[Дамбадам совуқ шамол гўзаллар лабин гезартди,
Оҳ бу совуқдан ки қизил юзларнинг рангин сўлитди].

Қочоқ кошғарликлар еб-ичишлари учун сув ва озуқа қолмай, йўқсизлик ва бенаволик азобини тортиб, озиқ-овқат танқислиги қийинчилигидан жонлари халқумига келиб ва ҳаво совуқлигидан оёқ-кўллари ёрилиб, отларга ҳам ем-хашак йўқлигидан қоқ ва қуруқ тери ва суяк бўлиб қолишди. Тўранинг ўзи амири валинаъмидан кўрққанидан безгак тутгандай қалтираб, тоғларда дуч келган қор уюмларини ўзига бошпана билиб, ётиб юриб, на дам олишга ва на борарга бирор жой топар эди. Шармисорликдан ўзга иши қолмай, манзилсиз ва диёрсиз минг ғаму ҳасрат ва хору зорлик билан юрганча ажзу ниёз юзасидан олий сарой бўсағасига юз сураркан, анча йўл юргач, Ўш шаҳрига келиб кирди. Бу ерда анчадан бери тўранинг қадамини кутиб турган султонлик қаровуллари тўрани тутиб, қурол-яроқ, от ва туфанг, бор-йўқ хазинасини қоғозга тушириб, хатладилар. Тўранинг ўзини эса келтириб саркорларнинг уйида қаттиқ ва мустаҳкам бандга солган кўйи ушлаб турдилар.

Мулло Али қори Қундузий Валихон тўранинг Кошғар мулкининг кофирлари билан урушгани ва кофирларнинг қочгани, хўжанинг Кошғарни фатҳ этгани воқеасини муносиб бир таърих билан адо этганди. **Таърих:**

Чун Валихон аз сари тадбир хост,
Кофиронро андаке пур дил кунад.
Бор аввал к-омад аз эшон гурехт,
Навбати дўййум ки омад чун асад,
Хештанро бо сипоҳи андаке,
Дар миёни лашкари куффор зад.
То фитоданд аз дами шамшири ў,
Дар жаҳаннам кофирони беадад.
Зи он хирад, Комий, паййи таърих,
Гуфт «тўраи кофиркуш омад дар балад».
[Валихон хийла-тадбир юзасидан,
Кофирни озгина дадиллатмоқ истади.
Биринчи келганида улардан қочди,
Иккинчи гал келгангида арслондек,
Озгина қўшин билан ўзини урди,
Кофирлар лашкари ичига.
Қиличидан кулаб сон-саноксиз,
Кофир, кетгди дўзах сари.
Шундан ақл, Комий, таърихи кетидан,
Деди: Шаҳарга кофир ўлдирувчи тўра келди»].

Яширин қолмасинким, «тўраи кофиркуш» ва «балад» сўзларининг ҳар бири таърих моддаси бўлиб, яна ишора қилинган бошқа амаллар бажарилгач, бир минг икки юз олтмиш саккиз (1268/1851-52) сони ҳосил бўлади.

Ва мазкур Тўра бир неча вақту замон ўшал маконда ётди. Ниҳоят хон ҳазрат олдиға чақириб олиб, бу тутқунликдан қутқарди.

//236^б Худоёрхон амири валинаъми даврида рўй берган бир нечта воқеалар баёни зикрида

Булар зикри қисқача тарзда баён тизимиға қуйидагича чекилади. Биринчиси Оқсу¹⁹⁶⁸ шаҳрида яшаётган кофирлар уйига ўт кетгани ва уларнинг молу мулкани қуйдиргани. Тижорат аҳли ва таниқли савдогарлар шундай ҳикоя қилдиларки, кунлардан бир куни об-ҳаво ўзгариши сабабли само юзида чақин чақнаб, осмон ариғидан шамол аралаш ёмғир худди нов ва тегирмонға қуйилган шаршара каби шариллаб ёға киришди. Булут муваккиллари яшиннинг икки таёқли ноқорасини малакут томоша учун пасту юқорига садо таратиб, тўла шиддат билан чалишға тушдиларки, момоқалдиروق машъаласи учқуни тандир алангаси каби тил чўзиб, жаҳонни олов денгизига бостирса-да, қора булутлар қуюни нуроний оламни зулматға айлантди. Оламни шундай қоронғулик қопладики, тириклик хаёли мусулмонлар бошидан ташқари чиқиб, ҳар ким ўз уйининг эшигу тешигини бекитиб, куппа-кундуз куни шам борми, чирокми, ёқиб ўтирдилар. Булут кўзидан шунчалик кўп кўз ёши тўқдики, гўё симобу жавоҳир тандирда эриб оққандек, тўхтамасдан шариллаб қуйи сари ерга ёғарди. **Байт:**

Зи ошўби борону жўши саҳоб,
Дилу гурдаи мардумон шуд кабоб.
[Булут жўшиб, ёмғир ёғиши бериб азоб,
Халқнинг юрак-бағри бўлди-ку кабоб].

Шу ола-тасир асносида замона қиёмат кунини бошидан кечириб, чақмоқ чақини ва яшин учқуни хирман-хирман оловни аслида мусулмонларнинг меросий шаҳри бўлса-да ҳозир хитой кофирлари кўлида турган қалъаси устиға пуркай бошлади. Маҳалло-кўй, қалъанинг барча мол-мулки, балки, неча юз бой ва камбағал кофир ёниб, кули кўкка совурилди. Ўша куни ва кечаси шу тариқа ўтиб, эртасига зулмоний олам нуронийликка айланди. Қиёмат аломатли туғён яхши-ёмон одамларнинг тинчлигиға дўнди. Одамлар бошларини ўз уйлари эшик ва ёриқ-тешигидан ташқари чиқариб, бир-бирининг соғ-саломатлигидан хабар олишға тушдилар.

¹⁹⁶⁸ Оқсу(в) – Шарқий Туркистонда олти катта шаҳарлардан бири. Оқсув (Шарқий Помир тоғларидан оқадиган) дарё соҳилида жойлашган вилоят. Ҳозир Хитойнинг Уйғур-Синзян автоном республикаси таркибида.

Бу борада Эшон қори Қундузий бир таърих битганди. **Таърих:**

Дар диёри Оқсу як шаб чунон бар хост бод,
Ки оташе дар хонаҳои кофирон афтод аз ў.
Он кадр молу матои аҳли куфрон шаб бисўхт,
К-зи шумори хандаси бирун ҳисоби ҳадди ў.
//237^а Гуфт, Комий, хотифи ғайбам пайи таърихи он,
К-ў бисўзад хонаҳои кофирони Оқсу.
[Оқсу диёрида бир оқшом шундай бир шамол турди,
Ундан кофирлар уйларига ўт тушди.
Тунда куфр аҳлининг қанча молу матоси куйди,
Улар сони хандаса ҳисоб-китобидан ташқари эди.
Деди, Комий, ғайбдан хотиф таърихи пайида:
«Ки у Оқсу кофирлари уйини куйдиради»].

Яширин қолмасинким, таърих сони бўлмиш бир минг икки юз олтмиш беш сони (1265/1848-49) «бисузад хонаҳои кофирони Оқсу» сўзларидан ҳосил бўлади.

Куҳистон вилоятидан Ҳиндустон вилоятига бориб, бир неча илмларни эгаллагач Фарғона мамлакатига келиб, «жабаллий мавлоно» (тоғлик мавлоно) номи билан танилган хўжа Абдуллатиф Қаротегинийнинг вафоти воқеаси зикри. Бу мавлоно Муҳаммадёр *қипчоқ* вазирлиги салтанати замонида унга пиру пешво бўлиб, ҳазрат эшон халифа Сафонинг шаҳидлик даражасига етишига сабабчи бўлганди. Шундан сўнг озгина вақт ўтиб-ўтмай, ўзи ҳам ҳазрат эшон қарғишига қолиб, сўзак касалига мубтало бўлди. Табиблар қанчалик давосига уринмасинлар, заррача фойдаси бўлмади. Ниҳоят ўша касал билан фоний оламдан боқий оламга кўчиб ўтди.

Эшон қори Қундузий унинг вафотида бир таърих иншо қилганлар. **Таърих:**

Оқибат мешавад аз дасти ажал дар таҳи хок,
Олиму жоҳилу неку бади айём ниҳон.
Зи ин адо Абдуллатифе ки берун аз кўхсор,
Омада умр ба таҳсили улум аз дилу жон,
Карда масруф, шуд мавлавии Фарғона.
Дар кафи қобизи арвоҳ ба моҳи рамазон,
Нақди жон дода зи дасти ажал ў рафт ба хок.
Об аз дийда ба таърихи вафоташ резон,
Гуфт, Комий, хирадам: «Ваҳ бинамуда реҳлат,
«Мавлавии жабаллий моҳи муборак зи жаҳон».
[Оқибат ажал дастидан тупроқ остига кетиб,
Замоннинг олиму жоҳил, яхши-ю ёмони бўлар пинҳон.
Шунга бир мисол, Абдуллатиф тоғ бағридан чиқиб келиб,
Бир умр илм таҳсили учун қилганди дил-жонни сарф.
Фарғонанинг ул мавлавий олими,
Арвоҳларни олувчининг қўлига рамазон оий,
Жонини топширди ажал келиб, кетди сўнг тупроққа,
Кўз ёшин оқизиб унинг таърихи учун деди, Комий,
Ақлим «воҳким, қилиб бу дунёдан рихлат, кетди
Туғма мавлавий муборак ойда жаҳондан»].

Бу ердаги таърих моддасидан уч сонига тенг «об» сўзи соқит бўлса, бир минг икки юз олтмиш беш (1265/1848-49) ҳосил бўлади.

Амири валинаъмининг ўз ўғлига тўй бергани қуйидагича воқеа баёни ва бадий сўз такаллуми билан дур сочувчи қалам ёзуви воситасида ушбу қоралама муаллифи томонидан билим аҳлининг мушоҳада назарига ва томоша нигоҳига ҳавола этиладиким, амири олий ихтиёр жонга пайванд дилбанд фарзандига бир тўй берган ўша ёз фасли айёмида бу ҳақдаги фармон иш билармон кишилар ва дониш аҳли ҳузурига етказилди. Бу тойифа мазкур ишга нима лойиқ бўлса, шуларни бутлаш мақсадида сарфланадиган харажатлар ҳисобини қилиб, қўй-қўзи, озиқ-овқат, сарупо тўнлар, анвойи ичимлик, хўл-қуруқ мева ва шу каби яна турли хил ашёларни етарли миқдорда ҳозирлаш учун барча томон ва ёғ-атрофга ишончли одамларни юбориб, қаердан бўлса олдириб келиб, муҳайё ва тайёр қилдилар. Амирлар ва ҳар бир давлатхоҳ саркарда, //237^б олий мартабали хизматчи ва хайрихоҳ хунар ҳамда касаба аҳли номига ҳам олий фармойиш судур топиб, улардан ҳар бири ўзича Фарғона вилоятининг расми бўлмиш «подшоҳ кўтариш» ва «гулбанди» ўйин-маросимини ўтказиш мақсадида

ва тўй куни кўрсатиладиган томошалар учун бир неча ой олдиндан керак нарсаларни тайёр қилиб, хуш овозли ҳофиз-хонанда ва қўли чаққон дойра чалувчилар, ой юзли ва хушандомли хурлиқо ўйинчи ёшлар, шўъбада кирдорли соҳирасоз масхарабозлар ва найрангпардоз жалодат ойинли қилич ўйновчилар, нозик нуқтага қараб пичоқ отувчилар ва қалқонбозларни кейинма-олдин ҳар тарафдан келтира бошладилар. Шунингдек подшоҳликнинг тўй ва томоша ишларига ярайдиган бошқа донолар одамларни ҳам ҳар шаҳар ва вилоятдан, музофотларнинг даҳа ва даласидан йиғиб келтириб, тўй асбобини тайёр ва муҳайё қилдилар. Тирамоҳ аталмиш ва одатда шаҳримиз аҳлининг тўй-ю томошалар ўтказадиган мавсуми саналмиш куз фасли етишиб, Мезон, Ақраб ва Қавс ўзининг шараф буржларига тушган чоғи тўй ва тантана хабарини етказиш учун оламнинг ён-теварагига жар солдириб ва чопар юбориб, Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳ ва Хоразм¹⁹⁶⁹ подшоҳи каби мукаррам подшоҳларга, Кўлоб¹⁹⁷⁰, Ҳисор¹⁹⁷¹ ва Қоратегин¹⁹⁷², Дарвоз¹⁹⁷³, Кошғар, Ёрканд, ҳатто ўрус подшоҳи ва Хитойга ишончли одамлар жўнатдилар. Барча хизмат аҳлига эълон бериб, «хушхабар етган заҳоти келган подшоҳларни иззат билан ҳар биттасини ўз давлати ҳолига қараб, жойлаштириш, ҳузурларига лойиқ одамлар ва мувофиқ пешкашлар юбориш»ни топширдилар ва улар келиб етиши билан давлатхоҳ вакиллар ҳар бирини тайинланган уй-манзилга тушириб, ўз мартаба ва қадр поясига яраша меҳмондорлик ишларини бажо келтирдилар. Меҳмонларнинг дам олишларини яхши бир суратда адо этгач, тўй анжомлари саранжомига киришиб, шаҳар ва атрофига олий буйруқ юбориб, Хўқанд шаҳрини ойнабанд қилишга киришга чақирдилар. Дўсту душман кўзи учун шаҳарга зебу зийнат бериб, шаҳар ва бозор аҳли дўконларни нақшланган уй каби безатиб, гулзор каби яшнатдилар. Читфурушлик ва атторлик, докафурушлик, бақоллик, чой фурушлик, чинни фурушлик расталари анвойи буюм ва газламалар билан тўқсон икки хил рангда товланиб, косиблар кўча ва бозорга неча минг рангу алвон билан нақшу нигор бағишлаб, оёқ остларигача поёндозлар тўшаб, шаҳарни олам аҳлининг томоша жойи ва жаҳоннинг гўзалликдан ибрат оладиган маконига айлантдилар. Хайранжом кўнгиллари қувончга тўлган тўйбошилар //238^a катта дош қозонларни кўк гумбазга етказиб осдилар ва ишончли хайрихоҳ иш мутасаддиларини улар бошига тайин қилиб, пазандакор новвой усталарга неча минг харвор буғдой бериб, одамларнинг емаги учун норбўтахоний нонларидан уюм-уюм ёптирдилар. Бу нонларнинг ҳар бири Хўқанди латиф шаҳри тоши билан олтидан бир ман чиқарди. Бу эса Бухорои шарифнинг беш серига тенгдир. Сўйиладиган қўй, эчкиларнинг минг-минглаб боши кесилиб, қорамолларнинг калла, пўст думба, ичак-човоқларини тозалаб, ҳар бир одам бошига биттадан пишириб, дастурхонга тортдилар. Қанду қандолатдан раста-раста, писта мағзи, бодом мағзи, ичимлик ва қуруқ-хўл мевалардан оламдан неки мавжуд бўлса, уларни ҳам дастурхон устига ташлаб, замон одамларига ошу таом бериб турдилар. Ҳар куни пешин номози тугагач, ёшлар «подшоҳ кўтариш» ва «гулбанди» машқларини ўтказиб, майдон саҳнига тўп-тўп ҳолда ўз ҳашами билан кириб келар, минг-минг зебу зийнат ичра чексизу сон-саноксиз томошалар кўрсатардилар. Ҳар гуруҳнинг олдида икки юз уч, юз нафар чаққон қўл туфангандозлар этагу енгини бир-бирига қайириб боғлаб, олдларича юриб боришар, уларнинг кетидан эса неча юз нафар эпчил ёшлар ясовул суратида бошларида ранг-баранг қоғозий кулоҳлар билан қадам ташлаб борардилар. Уларнинг орқасидан сеҳргарлик ҳунарли суратгар, яъни юз-устларига турли хил қиёфага киритувчи ниқоб-суратлар кийган санъаткорлар ҳар хил сиймо – Рустами дастон ва оқ, сарик, қизил, яшил рангдаги оғзидан кўрқинчли олов пуркаб турган кўрқинчли аждаҳо, дев, жон олувчи қора филлар ҳамда ола-була дашт қоплони ёки аёллар шаклини гавдалантириб, шунингдек яна турл-туман чехраларни акс эттирувчи катта-катта қўғирчоқларни ўйнатиб, ўтиб борардилар. Улар орқасидан кумуш танли, нозик баданли баччаларнинг ҳар бири гул баргидан ҳам юпқа ҳарир кийимда, олтин суви югуртирилган нақшли либослар ва фарангий матолардан тикилган кийимларга бурканиб, бошларига сарпуш ясаб таққан кўйи кўкрак ва белларини тилло занжир билан маҳкам ва устивор қилиб боғлаб, худди бўй етган ўсмир қизларга ўхшаб ўзларини безаб, ясантириб соч-юзига оро берган ҳолда товусдек товланиб ва ор-номусдан уялган паридек нозу жилва билан ўтардилар. Ёшлардан яна бир нечтаси усуллар кўрсатиб ва бир неча рангу кўриниш билан одамлар ўртасида намоён бўлардилар. Эркаклиги бичилган хотин хислатли ғуломлар ҳам ўзларича ўйин-қилиқлар кўрсатиб ўтдилар. Улардан сўнг эса

¹⁹⁶⁹ Хоразм – ҳозир Ўзбекистон республикасида вилоят номи. Тарихий-жуғрофий ва маданий-сиёсий жиҳатдан турли даврда ҳар хил ҳудудларни қамраб олган.

¹⁹⁷⁰ Тожикистоннинг Кўлоб вилояти маркази.

¹⁹⁷¹ Ҳисор, Ҳисори Шодмон – араб манбаларидаги Шуман. Хонақо дарёсининг Кофарниҳонга қуйилши жойида барпо этилган шаҳар.

¹⁹⁷² Қоратегин – Ҳисор тизмасининг жанубий тармоғида, Душанбе шаҳрининг шимол-шарқида жойлашган ҳудуд.

¹⁹⁷³ Дарвоз – Помирнинг ғарбий қисмидаги Обихингов, Панж ва Ванч (Панж ҳавзаси) дарёлари оралиғида жойлашган ҳудуд маркази. Ҳозир ноҳия маркази.

маҳаллий ва четдан чақирилган кўз бойлағичлар турли найранг ўйинлари, шўъбадабозлик томошаларини намоиш қилдилар. //238^b Улардан сўнг қиёмат куни сурини эслатиб, яқин-узокдагилар юрагига ваҳима солувчи карнайчи ва сурнайчилар, тўйларни қизитувчи айш аҳли бўлмиш ноқорачилар, шодликларни қизитувчи даф чалувчилари ҳам ҳар бири ўз ҳолича билган бирор нағма ва усули бўлса намоиш қилиб ўтишди. Пичоқ санчувчилар ва қалқонбоз, шамширбозларнинг ҳар бири ўз фирқаси билан саф-саф бўлган кўйи ўйин ва томошалар кўрсатдилар. Шу зайл нағма ва тараннум билан то ярим кечагача тўп-тўп бўлиб юриб, ҳар ким ўз хайлу ҳашами ва ўз гуруҳ-гуруҳида олам аҳлига тамошо кўрсатардилар. Ўйиндан тинчигач, чаққон қўлли кишилар саф-саф икки томон бўлиб, мушакбозлик машъаласини бир-бирига қаратиб, тўхтовсиз отишга тушдилар. Мушаклар шўъласи ва шаклидан ҳаммаёқ гуллар нақши билан безанди, минглаб ранглар еру-кўк узра товланди. Бундан олам равшан ва намоён бўлиб, чароғонлик ранги сарик, оқ, қора қизил, тўтаки, нилобий, зангори тусда порлаб, ялтираши кўзларни қамаштирди. Учқунлари ёмғир ва чакмон чақини ялтирб-дўнганча ер узра инарди. Тўп кирдорли мушакларнинг шовқини тун ярмидан оққач оташнафас сўфийлар сингари саҳар пайти «хув-хув»лаган кўйи жигарни куйдириб, куйик нафаси билан олов сочганча нечаларнинг ақлу хушини олиш учун ҳар тарафга ўн сочма, юз сочма бўлиб ёйилиб, шиддати ҳайбатидан ер ўзидан-ўзи ёрилгандек бўларди. Барча ўйин ва томошалардан сўнг одамлар ўз манзилларига қайтаркан, булардан шавқланган кўйи уйларига боргунча улар ҳам рақс тушиб, ўйинчиларга тақлид қилиб кетишарди. Эртасига кўшин одамлари, амирлар, давлат устунларига ва кўча-кўй, маҳалла фуқароларига хусравона марҳаматлар кўрсатилиб, обу ош, нон ва ҳар хил нозу неъмат, турли-туман лаззатли ширинлик кабилар тортдилар. Томоша талаб кишилар учун дорбозлик ва симда юриш, //239^a лаълбозлик ва чиғриқбозлик ўйинлари ташкил этиб, намоиш қилинди. Шу тариқа қирқ кун давомида, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт мобайнида барча шаҳар ва музофот, қишлоқ ва ўбаларга обу ош бериб, халқни мамнун ва сарафроз қилдилар.

Хон дилбанду аржуманд фарзанднинг суннат тўйини соғ-саломат ўтказгандан сўнг, бу улуг ишнинг шукронаси ва сирот ул-мустақимнинг илоҳий тухфаси ўрнида шаҳар катталари ва лашкар аҳлига хусравона лутфлар, подшоҳона саруполар бахшида қилиб, барчани сарафроз ва хурсанд қилди. **Назм:**

Ба айш кош ки комрони ғанимат дон,
 Сабот агар талаби, истиқомат ғанимат дон.
 Бар мардум хуби-ю, дигараш адолат кун,
 Пас аз адолат давлати карам ғанимат дон.
 [Айш айла, мақсади ҳосиллик дамин ғанимат бил,
 Сабот талаб этсанг, истиқоматни ғанимат бил.
 Халққа яхшилик қилу ҳам адолатда бўл,
 Адолатдан сўнг карам давлатин ғанимат бил].

Ҳазрат Махдумий Аъзамий жаноб Рустамхон тўранинг Худоёрхон замонида рўй берган воқеалари баёни зикрида

Ҳақиқатни билиш тариқати йўловчиларининг оламини безовчи ақллари ва тавфиқ мамлакатларининг тугунларни ечувчиларига яширин қолмасинким, бу моддий оламда нафрат ва рағбатнинг ўзгариб туриши борлиқ турмушнинг ажралмас қисматидир. Манзара ва воситаларни кўрувчилар назаридан бекитиқча ва яширин бўлмаским, бу моддий оламда восита ва сабаблар зуҳурида зоҳир ва ҳувайдо аломатлар бор. Масалан, агар сабаблар занжири тизимида зиёдлик бўлса, демак ҳар кимнинг бу ишларда ўз насибаси бор. Аммо ҳар носоз ҳам бу сирдан огоҳ эмас. Чунончи, гоҳ унинг ажралишида ҳам бирон шундай зиёдалиқ ва гоҳ уланиб кетишида ҳам бирор камчилик бўлса, назмнинг бузилиб кетишига восита бўлиши мумкин. **Байт:**

Гар Хизр дар баҳр киштиро шикаст,
 Сад дурустий дар шикфсти Хизр ҳаст.
 [Хизр денгизда кемани синдирган бўлса ҳам,
 Хизрнинг бу бузуклигида минг тузуклик бор.

Бу мақолни келтиришдан мақсад шуким, Худоёрхон душмани Мусулмонқулини енгиб, қатлга маҳкум этгач, Хўқанди латиф салтанатида ўзининг тўла эркин ҳукмронлигини қўлга киритди. Аммо Мусулмонқулининг давлатни қўлга олган ва юрт тақдирини ҳал қилиб ўтирган пайтида вилоятнинг ён-атрофи ва Хўқанд шаҳри ичида қўрқувдан бошини яширинлик ёқасига тикқан кўйи писиб ўтирган хонзода ва тўразодалар эндиликда ... ўзларини халққа кўрсатиб, ҳар бири бир бурчакдан ғайрат ва

химмат журъат кўрсатиб чиқа бошладилар. Хусусан бутун оламга саййидлиги офтобдек равшан ва аниқ бўлган, она томондан ҳам Хўқанди латиф хонларига Майда Чучукхон ойим бинт Норбўтахон ибн Абдурахмонбек ибн Абдулкаримбек орқали уланган Рустамхон тўра ҳазрат *махдумий* аъзамий Худоёрхон ҳукуматини тан олмай, халқни ўзига эргашиш учун даъват қилишга киришди. Шаҳар ва кишлок, қарийа ва русток, умуман мамлакатнинг ҳар диёрига ишончли одамларини қўйиб ўзига эргашишга чорладилар. Бу даъватлар қай бир мунофиқнинг қулоғига етса, дилу жон, балки иймон тақдири билан бу ишни қабул қилишди. Тўра «Ҳабл ул-матин» алангасини шу тариқа ўт олдиргач, барча халқ қиморга қулоқ тутган каби фурсатни пойлаб туришди. Айримлар бунда ишнинг қандай тадбир-чора билан тугагини пойласа, баъзилар маслаҳат ишининг ривожини қандай шаклда рўй беришини кутиб турдилар. Шу аснода Андижон ҳокими Қаландархон Сўфибек ўз ўғлига тўй қилиб, //239^б амир Худоёрхонни ўша тўйга таклиф қилиб қолди. Хон ҳам тамошо учун бундан яхши баҳона бўлмаслигини билиб, ўз оила аъзолари ва арқони давлат, салтанат аъёнлари билан бирга ўша томонга йўналди ва хушу хуррамлик билан шаҳарга етишиб, Андижон саройига кириб борди. Давлат бошлиғи ва устунлари ўрнашиб олгач, ҳар кун ранг-баранг томошалар кўриб, яна тагин оқшомларни ўйин-кулги билан ўтказиб турдилар. **Назм:**

Панди некон ба жону дил бишнава,
То ки гарди азиз дар ду жаҳон.
Дар жаҳон бош марди тажрибакор,
Дарси ҳикмат зи аҳли донишу хирадон.
[Яхшилар пандини дилу жон билан эшит,
Токим икки жаҳонда азиз бўлгайсан.
Жаҳонда тажрибакор бўлиб яша,
Билим аҳлидан эса ҳикмат ўрган].

Мана шундай вазиятни кутиб турганлар эса пистирмада пайт пойлаб ўтиришаркан, фурсатни ғанимат билиб, дарҳол ҳаракатга тушиб қолишди ва ўзларини ҳар тарафга ура бошлашди. Бу офат асарли хабар доврўғи яхши-ёмон қулоғига ҳам етишиб улгурди. Шумларнинг нарвони пояси мақсад чўққисига етишига оз қолиб, бугун ва эрта, деб турган пайтларида давлатга катта мағлубият келтирувчи бу исён иши ҳақидаги хабарлар узук-юлиқ равишда бўлса-да, амир Худоёрхон тарафдорларининг қулоғига ҳам етишиб, гап нимадалиги улар кўнглига маълум ва равшан бўлди ҳамда бир-бири кетидан бу ҳақдаги арзадоштларни жаноб амир Худоёрхонга юбориб, рўй бераётган ходиса борасида бор гап-сўзларини билдиришга киришдилар. Хон ҳам бу арзадоштлар орқали воқеадан воқиф ва огоҳ бўлгач, дарҳол Муҳаммадниёз *мингбошини* Душанбой ва Қанбар *понсад* билан бирга қўшиб, Хўқанд томонга юборди. Мазкур *мингбоши* ўта тезлик билан Андижондан чиқиб, эртаси куни Хўқандга етиб олди ва ушбу исён бошида турганлардан бири саналмиш Қанбарбек *понсад*ни ушлатиб, исёнчиларнинг қолганларини ҳам кечаси билан уйларидадан бир-бир чиқариб олиб, ҳибсга солди. Эртасига кун ёришгач, Тўрани ҳам келтириб, улар қаторига қўшдилар. Сипоҳилар иши ривож топиб, бозори чаққон бўлди. Яъни улар ҳўл демай, куруқ демай, барчага бир хил зулм ўтказа бошладилар. Шу сабабли шаҳар аҳли қийин ва танг аҳволда қолиб, халқнинг кўпчилиги қочиш сари юз тутди. Бу иш давлат аҳли катталарига маъқул тушмади ва тезликда исён айбдорлари ҳисобланган Тўра, Қосим *мингбоши*, Қанбарбек, Сўфибек *тожик* ва Мирзо Қаландар Хўжандийни шаҳардан чиқариб, Андижон томонга хон ҳузурига юбордилар. **Байт:**

Дар жувори аҳли давлат нест хоре бештар,
Сабза помол аст дар зери дарахти мевадор.
[Энди давлат аҳли қабтолида тикондан бошқа нарса йўқ,
Чун мевали дарахт остидаги майса оёқ ости бўлур].

Қолганлардан мулло Муҳаммадниёз... Муҳаммадкарим кўса ва Бекмуҳаммад *мирохур*¹⁹⁷⁴ ни дорга осдилар. Бу ходиса фитнасини уюштирган ва бу воқеани бошлаган Мирзо Мунаввар қочиб, бир неча муддат кўринмай қолди. Бир неча вақтдан сўнг Худоёрхоннинг иккинчи ҳукумати даврида яна пайдо бўлиб, *мирзобоши*¹⁹⁷⁵ лик мансабига етишди. Бироз ўтиб эса Тошкентга сургун қилинди ва Шодмонхўжа *қўшбеги* ҳукумати даврида дорга осилди. Жаноб Тўра ва номлари юқорида тилга олинган бошқа кишиларни Андижонга хон ҳузурига етказдилар ва бир кеча бозор ташқарисида қўйиб, эртаси куни барисини Қаротегин томонга чиқариб юбордилар. Маҳосиллар орқаларидан

¹⁹⁷⁴ Мирохур – хон (амир) саройидаги отлар ва отхоналарга жавобгир амалдор.

¹⁹⁷⁵ Мирзобоши – хон саройи девонхонасидаги мирза, мунши, котибларнинг бошлиғи.

Учқўрғон¹⁹⁷⁶ гача кўриқлаб бориб, қайтиб келишди. Жаноб Тўра ва бошқа ҳамроҳларининг барчаси соғ-саломат тепаликдан ўтиб, анча йўл босгач, Қоратегинга кириб бордилар. **Байт:**

Аз қисмати бандагию шоҳи,
Давлат ту диҳи ба ҳар ки хоҳи.
[Бандалик тақдирдан саналмиш шоҳлику қуллик
Давлатини Сен берурсан хоҳлаган кишингга].

Ва бир неча вақт ўша ерда истиқомат қилдилар. Ниҳоят Худоёрхондан Қоратегинга хат келиб, шунга кўра Тўра, Қанбарбек ва Мирзо Қаландарни Кўлобга жўнатдилар. Бошқаларни Ҳисорга юбордилар. Жаноб Тўра Қоратегиндан Кулобга келиб, Кўлобдан Ҳисорга борди ва у ердан Бухоро амири ҳузурига ошиқди ва подшоҳ ҳузурига уч йил истиқомат қилди. Сўнг Саййид Малла Баҳодирхон даврида яна Хўқандга қайтиб келди.

//240^a Мулло Али Қори Хўқанд мулки амирларидан бир нечтасининг жазолангани ва айримларининг Худоёрхон фармонида кўра ўлдирилгани ва юқорида зикр этилган фитнанинг юзага чиқиш сабабини таърих йўсини билан баён тизмасига терганди. **Таърих:**

Фитнаангезии ин чарх бубин дар Хўқанд,
Солҳо шуд ки миёни умарову фуқаро.
Фитнажўи шарафу муфсиди хуй аст камол.
Қатлу торож аз он фазлу ҳунар шуд ҳамаро.
То Худоёр шаҳи аср, амири даврон,
Истимои хабари фитнаи баъзе умаро,
Карда ин зумра якбора кашида дар банд,
Кушт аз он тоифа якчанд, ажал гуфт маро:
«Холи аз фитна магар нест диёри Хўқанд».
Шуд пеши назари ман умаро бесару по.
Пешаи мардуми ин шаҳр ки шуд маълумат,
Ҳуш агар дори аз он мулк ба зуди бадар о.
[Бу фалакнинг фитна кўзғатувчилигин кўр, Хўқандда,
Йиллар давомида амирлару фуқаро учун,
Фитначилик шараф, пасткашлик қилиғи етуклик мақоми бўлиб қолди.
Барчасига ўлдириш, талаш фазлу санъат бўлди,
То асримиз шоҳи, замон амири Худоёр хон бўлгунга қадар.
Айрим амирларнинг фитналари хабарини эшитиб ул хоқон,
Бу гуруҳ аҳлининг бўйнига дарҳол бандилик арқонин ташлади.
Бу тойифадан бир нечасини ўлдиргач, ажал деди менга:
«Хўқанд диёри фитнадан холи эмасми-ё, чун,
Бўлишди кўз ўнгимда амирлар ўлимга дучор.
Бу шаҳар халқининг машғулоти не бўлгани сенга аён,
Ақлинг бўлса, бу юртдан тез қочиб қол!»].

«Фитна» ва «диёри Хўқанд» сўзларининг ҳар бири таърих моддаси бўлиб, ишорат қилинган икки юз қирққа тенг «умарои бе сару по» исқоти билан бир минг икки юз етмиш (1270/1853-54) сони ҳосил бўлади.

Худоёрхоннинг олий буйруғига биноан Каримқули *меҳтар* қурган карвонсарой биноси ва читфурушлик дўкони растаси қуриб битказилиши муносабати билан Мулло Али қори Қунудузий айтган таърих эса ушбудир. **Таърих:**

Меҳтари пойтахти Фарғона,
Ки ба фармони хусрави даврон.
Шаҳ Худоёр, амири олийжоҳ,
Баҳри сукнаҳои тожирони замон.
Чунин корвонсарои рафеъ,
Кард таъмир к-зи баландии он.
Рўзу шаб офтобу моҳи фалак,
Зери тоқ чарх шуданд саргардон.
Хома зи авсофи дигараш кунун,

¹⁹⁷⁶ Учқўрғон – Наманган вилояти Уч-қўрғон туманидаги шаҳар, туман маркази. Вилоятнинг шимол-шарқида, Норин дарёси (Сирдарё ҳавзаси)нинг чап соҳилида. Кўкон – Андижон – Тошқўмир йўналишидаги темир йўл чорраҳасида, Намангандан 42 км шимол-шарқида жойлашган.

Чи нависад ки ҳаст бори гарон.
Шаб, ки таърихаш аз хирад к-он,
Суолат доштам ба гўши жон.
Гуфт «савдагарони соҳиби жоҳ,
Андар оянд дар сарои хон».
[Фарғона пойтахтин меҳтари,
Даврон подшоси, олий мансаб,
Шаҳ Худоёр фармониға кўра.
Замон тожирлари яшаш учун,
Шундай баланд карвонсарой,
Қурдики, унинг юксаклигидан,
Кеча-ю кундуз фалак ой ва қуёши,
Чарх тоқи остида саргардон бўлишди.
Қалам унинг васфида энди,
Не ёзса эрур оғир юкли тундир.
Таъриhini ақдан сўрасам,
У жон қулоғиға деди: «соҳиб мансаб
Савдогарлар хон саройиға кирарлар»].

«Савдагорон» ва «жоҳ», «сарои хон» сўзлари таърих моддаси бўлиб, ишора қилинган исқотдан сўнг бир минг икки юз етмиш уч (1273/1856-57) ҳосил бўлади.

Хўқанд Масжиди жомесининг иккинчи марта қайта қурилиши зикрида

Бу масжиднинг дастлабки биносини 1231/1816 санада¹⁹⁷⁷ Сичқон йили амир Умархон ибн Норбўта қурдирган эди. Унинг иккинчи қурилишини Худоёрхоннинг буйруғиға биноан бузиб, кўпригидан... сарф қилиб тугатди. Мазкур бино қурилиши борасида иккита таърих //240^б ёзилганди. Улардан биттаси Мулло Али Қори Қундузий, иккинчиси эса домолло Шер *охунд* Акмал¹⁹⁷⁸нинг синглисидан туғилган жияни Мирзо Аҳмад ибн Юнус *додхоҳ* қаламиға мансубдир. **Таърих:**

Масжиди жомеи қадим ки буд,
Аз биноҳои шаҳ Умар султон.
Буд аз бас бинои хайр анжом,
Мойили инҳидом, хони замон,
Дида, яъни хидеви Фарғона,
Шаҳ Худоёр амири олийшон.
Аз сари нав чунон намуд бино.
Ки зи кайвон рафеътар айвон
Дорад, авсофи сақфи жадронаш,
Натавон хомаи шикаста забон,
Қард тақрир аз он пайи таърих.
Фикри Комий ки буд саргардон.
«Зеби маъмура» ёфт, гуфт хирад,
«Масжиди жомеи жадиди хон».
[Эски жоме масжиди ки эрди,
Шоҳ Умар султон биноларидан.
Аммо кўп хайр анжом бу бино,
Бузилиш сари тутганди юз, замон хони,
Кўриб ани, яъни Фарғона мулкин шоҳи,
Олий шонли Худоёрхон билиб ани.
Қайтадан шундай бино қилдиким,
Кайвондан баландроқ айвони бор..
Шифт, тоқлари васфини синиқ тил қалам,
Ёза олмади, шу сабаб санаси пайдан,
Комийнинг фикри саргардон бўлиб,
«Юрт зийнатланди» топди, ақл эса деди:

¹⁹⁷⁷ Матнда 1212/1807 йил келганки, хатодир – таржимон.

¹⁹⁷⁸ Акмал Шермухаммад Хўқандий. Шоир ва тарихчи. 1820 йилдан кейин вафот этган.

«Хоннинг янги масжиди жомеси»].

«Зеб» сўзи ва охирги мисра таърих моддаси бўлиб, «ёфт» сўзи исқоти билан бир минг икки юз етмиш уч (1273/1856-57) сони ҳосил бўлади.

Яна бир **таърих** эса ушбудир:

Ба авни қодир маъбуд масжиди жомеъ,
Шуда чу масжиди Ақсо дар ин макон воқеъ.
Ба иртифо чу айвони чарх айвонаш,
Чу хонақоҳи фалак хонақоҳи ин сотеъ.
Чу боғи хулд барин сахни дилкушо дорад,
Касе нашуд ба чунин буқъа нозиру сомеъ.
Хавоси масжид Байт ул-ҳаром аз ин зоҳир,
Тавофи тоати ин ҳарам бандаро нофеъ.
Шикаст ёфта буда аст, карда шуд таъмир,
Ба амри ҳазрати хони жаҳон зафар толеъ.
Ривож ёфт ба давраш шариати набавий,
Умид он ки кунад хавоси худ шореъ.
Тамоми руйи замин дар тасарруфаш бодо,
Ва ҳама мулуки салотини ин жаҳон тобеъ.
Ҳамеша бод худо ёри хони бо тамкин,
Чу офтоб ба анвори маъдилат ломеъ.
Чу гўйи лафзаки манзурро ба лафзи илах,
Банои асл ки таърихаш он бувад шоеъ.
Зи руйи ҳуш ба таъмири соний таърих гуй:
«Чи жо бажо шуда таъмири масжиди жоме».
[Қодир топинувчи мадади ила масжиди жоме,
Ақсо масжиди каби бўлди бу маконда воқе.
Баландликда чарх айвони сингари айвони,
Фалак хонақосидек бўлмиш хонақоси.
Баланд жаннатдек кўнгил очар сахни бор,
Бу янглиғ иморатни ҳозирча ҳеч ким кўрмаган.
Байт ул-ҳаром хусусияти ундандир зоҳир,
Бу ҳарам тоати тавофи банда учун малҳам.
Бузилган эди, таъмир қилинди бу масжид,
Зафар толели жаҳон хонининг буйруғи ила.
Ривож топди ул ҳазрат даврида наби шариати,
Умид улким ўз хусусиятини ёйгуси эл аро.
Бутун ер юзи тасарруфига кирсин илоҳо,
Бу жаҳон султонларининг мулклари бўлсин тобе.
Худо ёр бўлсин мудом бу виқорли хонга,
Офтобдек адолати чарақлаган ул одилга.
Ёқимли сўз дегил, илоҳ лафзи билан таърихида,
Шу бўлгусидир ул асл бинонинг санаси эл аро.
Ҳуш юзасидан иккинчи қурилишга таърих айт:
«Қандай ўринли тушмиш жоме масжиди биноси»]

Ва яна бир шоир **таърих** айтган:

Шояд ки умри хеш куни сарфи он баён,
Соҳибдиле нишаста фурўзад чароғи нур.
Ин аст тарзи риндсириштони пухтакор,
Бо обу гил ғурур на чун муфсиксон уъур.
Зи он рўйид унбҳо тамоми ин бингар,
Дорад ишорате ки зи солаш намо зухур.
Бинамуд фикратам бад-ў таърихи роҳ, гуфт:
Манзури аҳли ҳол «мақом» бигў «хузур».
[Балки умрингни ул баён учун сарф қилсанг,
Бир дил соҳиби ўтириб нур чироғин ёқар.
Ринд сифатли пишиқ ишлар тарзи шудир,

Тубан бахиллардек эмас сув, тупроққа мағрур.
Шу сабаб тўла униб-ўсди тоқлар, буни кўр,
Йил яхши бўлишидан бермоқда ишоратлар.
Кетидан фикрим таърих йўлин излаб деди,
Ҳол аҳлига ёқувчи «мақом», дегил «ҳузур»].

**Бухоро подшоси Амир Насруллоҳнинг Кеш шаҳрини фатҳ этгандан сўнг Самарқанд //241^a
ва Китоб оралиғини боғлаб турган тор тоғ сўқмоғини катта йўлга айлантириш борасида
амалга оширган қурилиш ишлари муносабати билан ёзилган таърих эса ушбудир.**

Волии Бухоро хусрави Жамшеджоҳ,
Зилли эзид мир Насруллоҳ шаҳи гардун сарир.
Хотир дар фатҳи билоди Кеш дар осойиш ки ёфт,
Бениҳоят симу зар масруфи Фарҳод касир.
Карда, яъне кўҳкани муздур чанд андохта,
Канд кўҳеро ки дар рифъат зи чарх андақ қасир.
Буд бар роҳи Самарқанду Китоб афтода аст,
Жумлаи аҳжори ў бар канда аз сар то зер.
Соҳт бар рўйи замин ҳамвор то ин шоҳроҳ,
Дуруст зоҳир аз миёни куҳ шуд чун роҳ тир.
Аз барои пурсиши таърих Комий фикратам,
Бар дари пири хирад месуд биншаста ҳақир.
То ки бар рўйи замин осмон карда нигоҳ,
Гуфт «роҳи кўҳ шуд ҳамвор аз зўри амир».
[Бухоро волийси, Жамшид мартабали хусрав,
Худонинг сояси мир Насруллоҳ осмон тахтли шоҳ,
Кўнгли Кеш фатҳидан сўнг осойиш топгач,
Фарҳодлар учун кўп кумуш, олтин сарфлаб,
Яъни неча бир Куҳканни тоғ ишига ёллаб,
Чархдек баланд тоғни қазिशга тушди.
Самарқанду Китоб орасида бир йўл бор эди,
Шунинг бари тошини бошдан оёқ ковлатди.
Ерини текислаб ушбу шоҳроҳни қурди,
Тоғ ўртасидан обдон тўғри ўкдек йўл бўлди.
Комий сўраш учун фикрим қурилиш таърихин,
Ақл пирин эшиги бўсағасига пешонасин сурди.
Ер юзида ўтириб, осмонга қиларкан нигоҳ, деди:
Амирнинг зўридан йўл теп-текис бўлди].

«Роҳи кўҳ шуд ҳамвор аз зўри амир» сўзлари таърих моддаси бўлиб, «рўи заминун осмон» таълифига кўра «зод ул-фанд» ҳарфларидан бир минг икки юз етмиш уч (1273/1856-57) ҳосил бўлади.

**Валихон тўраи маҳдуми аъзамий ки хожаи калоннинг доруссалтана Хўқанди латифда
вафот этгани муносабати билан ёзилган таърих эса ушбудир.**

Сарвқаде ки сар кашид дар ин
Боғи даҳр аз бузургу хурди хазон,
Гашта охир ба зери хок афтод,
То Валихон ки буд хўжаи калон,
Дар замона агар чи мўъмин буд,
Дар аъзу жоҳ таъби жавон,
Дошт турки ажал ки бар сари ў,
Тохт, бигузашт аз ҳавои жаҳон.
Тани бежони ў ки дар таҳи хок,
Хуфт руҳаш сўи боғи жинон.
Чи ажаб гар шитофт Комий, фикр,
Хост таърихи соли рихлати он.
Ҳотиф гуфт: «даргузашт аз жоҳ,

Ҳайфо, хожаи калон маҳи шаъбон».
[Бу даҳр боғида бўй чўзган ҳар сарв қадли,
Катта, кичик хазондан охир ер остига тушади.
Хўжаи калон Валихон замонада мўъмин эди,
Иззат, мансабдан ҳамиша дили ёшдек эди.
Ажал турки устига бостириб келгач, жаҳон
Ҳавасидан кечди, жонсиз кириб тани ер остига,
Руҳининг қуши учди жаннат боғлари томон.
Комий фикр шошилса, не ажаб, излади дунёдан,
Ўтиш таъриhini унинг, хотиф деди: кечди мансабдан,
Ҳайфким, хўжаи калон шаъбон ойида чунон].

Охирги мисралар таърих моддаси бўлиб, «жоҳ» лафзининг исқоти билан бир минг икки юз етмиш уч (1273/1857) ҳосил бўлади¹⁹⁷⁹.

Қаландарларнинг пиру пешвоси, ҳикмат илмлари бўйича олим, саховат ва карам эгаси ҳамда улуғ даражалар соҳиби бўлмиш Мирзо Ҳасан тўра ибн Мирзо Қаландар тўра Хўқандий ўзининг айни ёшлик ва мақсади ҳосиллик айёмида бу ўткинчи оламдан мангулик юртига ошиқдилар ва алар вафоти воқеасини Мулло қори Қундузий **таърих** сифатида қуйидагича назм тизимига терган эди.

Таърих:

Ҳар он, ки аз баду нек, гадову шоҳ дар ин чаман,
Расиду шуд аз зарби дасти марг ватан.
Таҳи замини сиёҳаш, ки пешвои қаландарон,
Зи дасти ажал кард зери хокро маскан.
Намуд баҳри тани хеш, яъни он Мирзо,
Ки буд номи нақуяш миёни халқ Ҳасан.
Дар кунжи //241⁶ турбати ў сўи гулшани жаннат,
Кушодаанд даре боз суфуфи ў равон,
Ки дидаи пок хирад гуфт, гашт таърихаш:
«Зи нури марқади пири қаландарон равшан».
[Яхши-ю ёмон, шоҳу гадо қай бири бу чаманга келса,
Ўлим дастидан қора ер остида ватан тутар бир кун.
Қаландарлар пешвоси ҳам ажал дастидан тупроқ остин,
Ўз тани учун маскан қилди, яъни халқ орасида яхши номи,
Ҳасан бўлмиш ул мирзо мазори четида жаннат гулшани сари,
Очдилар бир эшик, ақл деди: таърихи бўлди нурдан қаландарлар
Пирининг мазори равшану ойдин].

Момоқалдиروق ўтининг Оқсув мулкидаги Хитой шаҳри доруҳонасига тушиб, ул диёрнинг катта-ю кичик, кофиру мусулмон аҳолисидан кўпининг куйиб кул бўлгани борасида ёзилган таърих эса ушбудир.

Таърих:

Қазоро аз хуруши раъду барқе,
Ба мулки Оқсув бар жаста оташ.
Ба доруҳонаи Ёмул чунон зад,
Ки аз хайли Хито мўъминонаш.
Халойиқ сўхта мурданд беҳад,
Машав Комий ба таърихаш мушавваш.
Ки «рўйи амн» (ин) номида хирад гуфт,
«Ба мулки Оқсув зад барқ оташ».
[Қисмат бўлиб момоқалдиروق, чакмоқдан,
Оқсув юртига оташ тушди.
Ёмул доруҳонасига урди чунон,
Хитой халқи-ю, мусулмонлари ҳам,
Куйиб ўлишди жуда кўплар.
Таърихида ташвиш тортма Комий,

¹⁹⁷⁹ Шу йили шаъбон ойи 4 апрелда кирган.

Буни кўрмай ақл деди: Оқсув юртига,
Чақмоқнинг олови тушди].

Охирги мисралар таърих моддаси бўлиб, соқит қилишга ишора қилинган «руйи амн» сўзлари ва «алиф» ҳарфи сабабли бир минг икки юз етмиш икки (1272/1855-56) ҳосил бўлади.

Сафар тўра номи билан танилган Сафаракнинг вафоти санасининг зикри

Сафарак воқеасининг қисқача баёни шуким, бу одам асли Қоратегиндан бўлиб, ёшлик пайти дуч келган ерларга бориб, фолбинлик ва азойимхонлик қилиб юрган. Бир неча йилдан сўнг эса бу соҳада анча ном қозониб, ўзини «Сафар тўра» ном билан тўра ясаб, ўзини Хон Тўраҳон эшон авлодига нисбат берган ва «Гурунж эшон» лақабини олиб, халқ ичида ўзини ўша алпозда танита бошлаган. Унинг Гурунж эшон лақаби билан танилишига сабаб шу бўлганки, язих ва шўъбадабозлик илми бўйича бир ҳовуч гуручни халқ кўзи олдида икки чакса ва уч чакса қилиб кўрсатиб, кишиларни хайратга солган ва одамлар унинг ҳийлаву найрангига лаққа тушиб, унга ихлос қўйишган. Яна бир иши ўзини жинларни тасхир этувчиликка нисбат бериб, қайси бир жой ва кимнинг уйига борса, ярим кечаси йиғин иштирокчиларига ул уйнинг эшигу томини «жин келди» дея, тарақ-туруқ қилдириб, йиғин аҳли юрагига ваҳима ва кўркув солиб ўтирган. Уйқу вақтида ҳеч кимни ёнида қолдирмай якка ва ёлғиз ухларкан. Тамаки чекиш ва чилимкашликни ҳаддидан ошираркан. Ҳеч ким бу ишда унга рақиб бўла олмас экан. Намоз ўқимас, ёлғон сўздан сира қайтмас ва ҳар бир нуқсонли ишга чорасоз, ҳар бир дармонда қолганга дамсоз бўлиб, шайтанат иғвоси билан бир неча вақт ножинс кишиларни алдаб, ҳар диёр халқидан молу амвол йиғиб юрган. **Байт:**

Ҳар ки аз кишвари инсоф бигардонад рўй,
Синаи у ҳадафи тири ҳаводис гардад.
[Ким инсоф ўлкасидан юз ўгирса,
Кўкси ҳодисалар ўқига нишон бўлади].

Умри охирида бироз муддат Хўқанди латиф шаҳрида //242^a Дегрез маҳалласида яшади. Кундан кунга айби ва қаллоблиги тилларга тушиб, Худоёрхоннинг қулоғига етишди. Бир нечта ишончли одамларини ул уддабурон зиндикнинг ишини аниқлаштириш учун юбориб, ҳолотини тафтиш ва қандайлигининг ахборотини олди. Аниқланишича, бу каззоб ўз номига султонликнинг бир нечта мухрини ўйдириб, ўзи билан олиб юрар ва турли-туман ерларга иноятнома йўсини билан юбориб, вилоят катталаридан пул ва мол ундираар экан. Текшириш орқали бу ҳолдан воқиф бўлингач, 1273 йили¹⁹⁸⁰ қаттиқ азоб-укубатга солиб, дорга осдилар.

Тошканд ҳокими Мирзо Аҳмад билан рўй берган воқеалардан айримлари зикри

Ба чашми ҳарифон равшан чароғ,
Ба фасли хазон сабз нест боғ.
Агар ташна ва ҳиддат ояд паид,
Зи гулшан тавон гуле ба Даймоҳ чид.
Чу махро намонад ба жилвагари,
Гарони кунад қиймати мўътабари.
Чунин аст расм андарин даври зоғ,
Ки чун гул шуд аз боғ, нур аз чароғ.
Зи боғи дигар гул ба доман кунанд,
Зи шамъи дигар хона равшан кунанд.
[Дўстлар кўзида равшандир чироғ,
Куз фаслида яшил эмасдир боғ.
Агар ташналик, қаттиқчилик бўлса,
Қишда ҳам гулшандан гул териш мумкин.
Гўзалларда қолмаса жилвагарлик тоқати,
Қиммат бўлур мўътабарлик нархи.
Шундайдир қарғалар даврининг расми,
Боғдан гул кетди-ю, чироғдан нур қочди.
Энди гулни бошқа боғдан теришар,
Бошқа шам билан уйни ёғдули этишар].

¹⁹⁸⁰ 1856-57 йили.

«Фитна ва бидъат волийси», деган аниқ ҳикматга кўра гап шу ҳақдаким, назм имкони каламравида жамият бирлиги таъминловчиси занжир ҳеч бир сабабсиз мунтазам бўлмас. Салтанат масалалари тугунини ечувчи ва ҳукумат йўлларининг мансаб безовчилари шундай башорат ва маслаҳат кўрсатмишларки, муомилот манзараларига чуқур назар ташлангачгина сарварлар йўлдан юришни ўзларига лозим топганлар. Бу мақол тушунчаси тасдиғи шуки, Мирзо Аҳмад Худоёрхон томонидан Тошканднинг мустақил ҳукуматига эришиб, шу мансаб ўриндиғида ўрнашиб ўтиргач, зулм қўлининг бешта панжасини ҳам шаҳар ва диёр, музофот аҳолиси сари чўзиб, халқ аҳволини танг қилишга киришди. Саҳро аҳолиси ва бепарво қозоқларга неча бир зулм ва уқубат етказдики, бу уқубатлар сони қамров доирасидан ташқари эди. Ҳатто «қўш пули» ва «кўк пули» дея, бунга кучи етмаган қозоқларнинг ўғилча ва қизалоқларини соттира бошлади. Зулм ва таъдди ул мазлумлар ҳаққида бу қадар кучая бошлагач, ҳар қайси қабила ва уруғ ўз ҳолига ўралиб, ишларида бетоқатлик юзага келтириб, ул иш бажарувчиларга бирор нарса бериш, бермаслик борасида бош қотириб, ҳар қабила ва уруғ ўз ҳолича паришонлик билан умр кечирарди. **Байт:**

Ҳар якеро зи халқ мартабае аст,
 Пеш аз ин давр ёфта таъин.
 Ҳар кас аз ҳадди хештан гузарад,
 Фитнаҳо хезад аз ясору ямин.
 Ҳар касеро ба жойи худ бинишон,
 Пас ба давлат ба жойи худ биншин.
 [Халқнинг ҳар бири ўз мартабасига эга,
 Илгариги замондан шундай бўлган тайин.
 Ким ўз ҳаддидан ошса,
 Ўнгу сўлдан фитналар қўпар.
 Ҳар кимни ўз жойига ўтқазиб қўй,
 Сўнг давлат билан ўз жойингга ўтир].

//242^б Бу янглиғ зулм шиддатига чидай олмаган қозоқлар қўзғалиб, улар табиатиға тушган тугён алангаси ён-атрофга ёйила бошлагач, Мирзо Аҳмаднинг ҳам ул беадабларга нисбатан ҳамият томири жунбишга келиб, ҳар қабила ва теградан чексиз лашкарни бир жойга йиғди ва 1274 йили шаввол ойининг бошида¹⁹⁸¹ ул худуд сари йўлга тушди. Бир неча масофани босиб ўтгач, Авлиё Ота қалъасига бориб тушди. Бироз йўл чарчоқларини аритгач, теварак-атрофдан асл воқеа ва гап нимадалигини сўраб-суриштириб кўришга қарор қилиб, Пишкек қалъаси ёнида турганча бу иш тажассусидан сўнг Суфтомибий қазоқнинг фикри ўзгаргани ва ёмон йўлга кирганини англади. Ишончли одамлардан беш *понсад* киши тайёр қилиб, ўша томонга жўнатди. Бу жангчи муборизлар тезлик билан етишиб, босқин-чопқин уюштириш мақсадида эдилар турганларида кечаси бедор, пашша кирдор душманлар қалъа буржлари бурчагидан ҳозир у нозир бўлиб, Мирзо Аҳмад қўшини қалбига чунонам урдиларки, биринчи ҳамладаёқ қўшин аскарларини фано елига учириб, тор-мор қилдилар. Лашкардан омон қолганлари ҳам қўлга тушиб, улардан фақат озгина киши халослик топди ва шу қочган кўйи Авлиё Ота қалъасига ичига бориб қутулдилар. **Назм:**

Чу забти мулки мафвузи ту жаҳд намой,
 Ки аз жавонибу атроф бохабар боши.
 Ба теғу қаҳр сари фитнажўй бардори,
 Ба дафъи тири бало халқро сепар боши.
 [Қўлингга топширилган мулкни сақламоқчи бўлсанг,
 Унинг ён-атрофидан бохабар бўлишга тиришгайсан.
 Қилич билан исёнчининг бошин олгайсан,
 Бало ўқин қайтариб, халққа қалқон бўлгайсан].

Катта мағлубиятдан сўнг қозоқларнинг Мирзо Аҳмад сиёсатидан зулм чеккан кишиларидан ҳар қайсиниси худда аждаҳодек бошларини ўз саҳроларидан чиқариб, мўру малах каби келиб, Авлиё Ота қалъасининг теварак-атрофини маҳкам ва мустаҳкам равишда қамал қилдилар. Бу воқеадан олдин Мирзо Аҳмад ҳам вазири ва ҳам ишида ишончли кишиси бўлмиш ўз амакваччаси Мирзо бийни Чимкент устига ва унинг музофотларига *закот*¹⁹⁸² йиғиш учун чиқариб, халқ ва эллардан закот олиш мақсадида юборган эди. *Сергили*¹⁹⁸³ ва *қўнғирот*¹⁹⁸⁴ ва қозоқдан яна бошқалар йиғилишиб,

¹⁹⁸¹ 1858 йил 15 майда бу ой кирган.

¹⁹⁸² Закот – ислом арконларидан бири. Мусулмон жамоасининг энг муҳтож ва камбағалларига соҳибнасоб бўлган аҳоли қатлами бериши шарт бўлган солиқ.

¹⁹⁸³ Сергили/сирғали – қипчоқ (қозоқ ўзбек)ларнинг қурама эли таркибидаги уруғ.

Мирзобийни ёнидаги бир нечта ишончли кишилари билан бирга ўлдириб, ёғийгарлик йўлини тутдилар. Шу сабабли Тошканд ва Туркистон ва Марқ йўлидан юрмакка қозоқдан бошқа ҳеч кимнинг мажоли қолмай, у томон ерлари, айниқса Авлиё Ота қалъаси қийин аҳволда қолиб, ғалла қимматчилиги ҳаддан ошди. Қамал муддати эса жуда чўзилиб кетди. Фатҳ сари ҳеч бир йўл очилиши ва воқеа тугуни ечилиши имкони қўлга кирмади. Ниҳоят Мирзо Аҳмад Мир Собир бийни Намангон йўли устидан минг бир ажзу шикасталик билан //243^a валинаъми ҳузурига юбориб, унинг кетидан кетма-кет одамлар жўнатди. Сипоҳ ва фуқаро аҳли юрагига ваҳима тушиб, Шодмонхўжа *мингбошини* кўп сонли лашкар билан ул сипаҳдор қилиб, Мирзонинг ёрдами учун жўнатдилар. Маллабекни ҳам унга шерикликда сардор тайинлаб юбордилар. Бу ҳар икки сардор катта лашкар билан Сайхун дарёсидан Кандир ва Оҳангарон ҳамда Чирчиқ тоғ сўкмоғидан ўтгач, яхши бир соатда Тошкент қалъаси ичига кирдилар ва бир неча кун шу ерда туриб, отлар нафасини ростлагач, юриш камчиликларини тўғирлаб ва керак нарсаларни муҳайё қилиб, Чимкент томонга юрдилар. Озгина фурсат юриш билан Чимкентга етишиб, ўша ерга тушдилар. Бу ерга саҳро ва шу атрофдаги исён кўтарган қайси бир қозоқ йиғилган бўлса, ҳар бири тоғу саҳро тўри сари қочиб кетиб, бирор бурчак ва ковакни ўзига макон қилганча, узоқдан туриб, ҳар қабила ва уруғ ўзича алоҳида пешкаш ва тортуқ ясаб, амири лашкар Маллабек ҳузурига юбориб, узрхоҳлик асносида асл воқеани ҳам айтиб бериб, Мирзо Аҳмад ёмонлигидан қутқариш борасида чора тиладилар. Маллабек ҳар бир қабила ва уруқнинг кўнглини кўтариб, яхши ваъдалар берди ва ул халқнинг юрагини ҳар томондан тўқ қилиб, Мирзо Аҳмадни жангу жадалсиз сиҳат ва саломат лашкари билан бирга ёнига чақиртириб олди. Ишлар тинчлик йўли билан битгач, исён шиорлик қозоқларнинг ҳар бири ўз диёрларида сукунат топганларидан сўнг амир Маллабек фатҳу ғалаби оғушида ул ғамли юришдан қайтиб, Тошкандга келиб тушди. Мирзо Аҳмад эса бир неча кун амир Маллабек шарафига тўй мисол ўтиришлар уюштириб, подшоҳона хизматлар адо қилди. Ва барча унинг бу хизматларидан кўнгиллари тўлиб, хурсанд бўлган кўйи мақсади ҳосиллик билан қайтиб, Чирчиқдан ўтдилар ва қуйи сари индилар. Ўша куниси йўлга чиққан вақт бошидан то кечгача кўшиннинг барча катта-ю кичиги Шодмонхўжа *мингбошидан* кўнгиллари қолиб, амир Маллабекка хизмат қилиш борасида гапни бир ерга қўйиб, шу мақсадларига тааллуқ сўзларни арз қилдилар. Уларнинг талаби Шодмонхўжа *мингбошилик* мансабидан олиб ташлашлари ҳақида бўлиб, «бизлар унга тобелик қилмаймиз ва фармонларини бажармаймиз» дейишди. Маллабек ҳам уларнинг сўзлари бўйича бу воқеа борасидаги арзадоштни Худоёрхон ҳузурига юбориб, ўша куннинг намоздигар пайтида Шодмонхўжага қарашли хазина ва дафинанинг барча ишларини подшоҳлик девонига олиб, ўзини боғлаб, аравага ташлаган кўйи Хўқанддан ҳам ўтказиб, Ёр мозорга юбордилар. **Байт:**

Чун аз камони қазо расад тире,
Яқин ки боз нагардад ба ҳеч тадбире.
[Қазову тақдир камонидан бир ўқ келса,
Ҳеч тадбир билан орқага қайтариб бўлмас].

Шунинг эртасига тонг билан Хўқанди латиф томон йўлга тушиб, //243^b бир неча масофани босиб ўтгач, яхши бир соатда шаҳарга етишиб, Ўрда ичига кирдилар.

Ўратепа ҳокими Рустамбекнинг қайтадан муҳолифат кўргузгани ва амир Худоёрхоннинг ул ҳудудга юриш қилгани достони

Ишлар сирларини яширинлик нақши билан безовчиларнинг илҳом баёнли тилидан шундай нақл қилинадик, кимки бу дунёда улуғ иш ва буюк юмуш тартибини ўнглаш учун яратилган бўлса, уларни бажариш анинг ҳиммати наздида осон ва енгил бўлиб кўринади ва бошқаларнинг ақлу тушунчалари уларни қанчалик қийин иш ўрнида кўрмасин ва бажариб бўлмас ишлар сирасидан санамасин, бу мушкул ишлар анинг қудрат ва иқтидор қўли туфайли осонликча амалга ошади.

¹⁹⁸⁴ Қўнғиротлар – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Илк ўрта асрларда Олтой, Мўғулистоннинг шимолий қисмида яшаганлар. Ўрта Осиёда турли кўчманчи туркий қабила ва уруғлар қўнғиротлар атрофида уюшиб, уларнинг қабилавий номини қабул қилишган. XIV асрда Хоразмда қўнғиротлар зодагонлари орасидан суфийлар сулоласи ҳокимият тепасига келган. XVI асрда улар Ўзбек улусидаги туркий қабилалар таркибига кирган. Улус парчаланиши билан қўнғиротлар ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва бошқа халқлар таркибига кирган. XIV–XVI асрлар давомида қўнғиротларнинг айрим гуруҳлари Хуросон, Шимолий Афғонистон ва Ҳисор-Шеробод водийсига келиб ўрнашганлар. Этнограф Б. Х. Кармишева қўнғиротларни 5 та катта уруғдан: вахтағали, қўштағали, қонжигали, ойинли ва тортувлидан иборат эканлигини кўрсатган. Қўнғиротлар орасида энг катта гуруҳ вахтағали бўлиб, у 18 та катта уруққа бўлинади: очамайли, боймоқли, тароқли, чанчикли, қозоёкли, чўмичли, қайчили, ишқили, қийғочли, жилонтағали, болғали, қора қўнғирот, буғажили, уювли, хандақли, ирғоқли, абокли, кесовли. XIX аср охири XX асрнинг бошларида Қўнғиротларнинг аксарияти ярим ўтроқ ҳолда яшаб, хўжалигида чорвачилик муҳим роль ўйнаган.

Қуйидаги воқеа ҳам ана шу гапимизга мисол тариқасида рўй берган ҳодисалар жумаласига киради. Илоҳий иноят ва марҳамат хонликка жаҳон сақлаш белини мустаҳкам ва мамлакат олишлик маросимини ниҳоясига етказиш учун амалга ошириш либосини бахшида қилиб турган бир маҳал бу хоннинг давлатидан мазкур ҳикматга мисол бўлгудек иш аломати рўй бериб, замон аҳлининг етук ақли ва безакли фикрида бу маъни яна бир карра ўз тасдиғини топди. Аниқроғи, юқорида айтиб ўтганимиз хонга қарши исён вақтида Рустамбек алдов ва ҳийла йўли билан жазодан қутулиб, хонликнинг улуғ зарбаси жароҳатидан омонлик топган ва ҳатто хусравона меҳрибончиликка ҳам эришиб, ота-бобосидан қолган меросга эга чиққан эди. Мана энди у ўша яхшиликлар қадрини билмай, мурувватсизлик туғёнига қўл уриб, тўғри йўлдан чиқди. У ўзининг бу яширин ниятини хон қўшинининг ном қозонган ва уруш синовларидан ўтган сардори Муҳаммадниёз *мингбошининг* ўз табиий ажали билан вафот топиб, хон қутилмаган қайғу-аламда эзилиб ўтирган ҳамда сабру қарорини йўқотиб, ғам-ғусса гирдобига чўмган пайтда юзага чиқарди. Ҳар ҳолда бундай пайтда киши тушкунликка тушиб, кўнгли бошқа нарсаларга нисбатан бепарво бўлиши табиийдир. Ҳа, айти шундай чоғда Рустамбек фитна-ю бузғунчилик тўлқинини кўзғатди ва Ўратепа қалъасини маҳкам ва мустаҳкам қилиб беркитиб, хонга қарши ҳарбий истехкомга айлантирди. Бу оташ аломатли хабар учқуни Турон хони қулоғига етишгач, тубанлик аҳлининг таъзирини бериш ва айбларига яраша жазолаш мақсадида жаноб хон юриш отига минди ва хумоюн мавкаб хизматида турган амирлари билан бирга воқеа рўй берган томонга қараб кўзғалди. **Қитъа:**

Камари салтанат набояд баст,
 Ҳар киро рағбати тан аст паст.
 Аз машаққат кужо бар осояд,
 Ҳар киро ҳиммати жаҳонбоний аст.
 [Салтанат камарин боғламасин албат,
 Ул кишиким танида йўқ бунга рағбат.
 Машаққатдан қачон тинчиган экан,
 Кимда бўлса юрт сақлаш ишига ҳиммат].

Ҳимматлари ақли ашё сурати идрокидан қувват топган ва меъёр доирасига кирган тажриба кўрган давлатхоҳлар нусрат ғалабаси талабининг амалга ошиши учун бу воқеани қулай фурсат билиб, ўғриларнинг истак қўлини қирқиш ва уларга қарши қилич зарбини уриш мақсадида йўлга тушиб, Бешариғ мавзесига етишгач, хон хоқонликнинг ўз овози ва тўғри ақлга эга бўлмиш вазирларидан бири саналган Фозилбек *дастурхончи қароқалпоқ*¹⁹⁸⁵ни //244^a *мингбошилик* мартабасига кўтариб, бошини ҳаммадан юқори қилди. Эртаси куни тонг маҳали тўпни отишга шай қилиб ва олдинга судраган кўйи манзилма манзил юриб, илгари силжидилар. Муқаддима қисм қаровуллари душман сипоҳининг қорасини кўзлари билан кўргач, жаноб хонга келиб бу ҳақда хабар бердилар. Жаноб хон эса бузукчилик сабабчилари ва исён аҳлини йўқотишга шай ва жони дил билан тайёр бўлгани сабабли ўз қўшини сафини ва ясовини қайтадан тузатишга киришиб, жасурлик оёғини шижоат узангиси узра қўйган кўйи душман томонга қараб от солди. Натижада мазкур мавзе ҳудудида тарафларнинг тўқнашуви рўй бериб, муҳориба олови гуриллаб аланга олди. Чунончи расму қоидаси қаҳрамонлик бўлган сарҳанглар шўху шанг айёрлар каби қайтмас найзаларини руҳ гавҳарини ковлаб олиш учун душманнинг темир совут ва жавшан тўнлари узра санчиб, ғанимларнинг бадан мулкида чуқурлар қазидилар, ажал турки қўлини жон торожи ва баданлар буюминини олиш учун чўзарди. Ҳар тарафдан қаҳру ғазаб самандлари бир-бири устига ташланиб, муборизлик кўрсатардилар. Найзалар учи билан иккени бир ва бирни икки қилар эдилар. **Назм:**

Ду лашкар ба ҳам рубарў чу ду кўх,
 Замину замон омад андар сутўх.
 Дар он вақт бар омад дами карной,
 Вале жумла гард паррон шуд зи жой.
 Ғумоми жасом андар омад ба барқ,
 Зи таграг ажал рехт онжо ба фарқ.
 Зи дуди туфангу зи гарди набард,
 Бапушид руйи ҳаво ложувард.
 Зирех ҳама жаста зи нуки синон,
 Зи ҳар жаста сад чашмаи хун аён.

¹⁹⁸⁵ Фозилбек понсадбоши (ваф. 1857 й.) – Арслонбек қароқалпоқнинг ўғли. 1857 йили дастурхончи бўлган. Унинг ўғли Зулфқорбек 1874-1875 йй. Худоёрхон хизматида бўлган.

Зи рамидан ҳам бежон каманд,
 Биафтод ҳам дар сипехри баланд.
 Фиканданд бар хок чандон сарон,
 Ки аз кушта пушта бар ҳар карон.
 Аз он акси мавж аст дарёйи хун
 Замин баҳри ахзар, фалак нилгун.
 [Икки кўшин икки тоғдек бақамти,
 Замину замонга тушмиш изтироб.
 Карнай дами чиққан маҳалда эса,
 Бори чанг кўзғалди ўз жойидан.
 Оқ булутлар ичидан чақиб яшин,
 Дўли ажалдек ёғди бошлар устига.
 Туфанг тутуни-ю, уруш чангидан,
 Кўк осмон юзига парда тутилди.
 Найза учидан темир совут тешилиб,
 Ҳар тешиқдан юзта қон булоғи оқиб.
 Жонсиз каманд кўрққанидан ҳам,
 Баланд осмон қадди ҳам эгилган.
 Думалади тупроққа неча бир бош,
 Мурдадан уюмлар тикланди ҳар ён.
 Қон дарёси тошар уриб мавж,
 Шундан ер кўк денгиз, фалак нилгун].

Довюралар тўпи ана шундай жанг равиш ва усули билан ўткир қиличларни уруш гавдали қиндан чиқариб, уларни душман сари сармаб-чопқилаган кўйи девсифат ғаним галаси орқасидан қувлашга тушдилар ва ул тарқоқ тўдани ҳамла шамоли билан қалъагача ҳайдаб солдилар. Шунда душман фурсатдан фойдаланиб, ўзини қалъа ичкарисига урди ва бу билан ўлимдан омон қолди. Хон аскарлари эса қалъа қамалига киришиб, метиндек девор атрофини узук ҳалқаси каби ўраб олдилар. Аммо қамал муддати қанчалик давом этмасин, шу орада ичкаридаги қавмдан ҳеч бир кимса юрак бетлаб, уруш учун ташқарига чиқмади. //244^б Уларни бу ишга ундаш мақсадида қалъага қарашли ён-атроф қишлоқларни отлар туёғи остида топтаб, вайрон қилишга киришдилар ва аскарларнинг босқин-чопқини ҳам у ерларга омонлик бермай, ҳаммаёқни пайхон ва хароб қилдилар. Лекин шунчалик вайронагарчиликка қарамай, қамалдагилар томонидан ҳеч бир уруш аломати сезилмади. Қарасалар, ниятлари амалга ошмайдиган, яъни чоралари тадбирини ечиш учун осмон узоқлик, ер эса қаттиқлик қилмоқда ва бу зайл ўтирилса, ғалабадан ҳаливери дарак бўладиган эмас. Шундан сўнг ноилож орқага қайтишни ихтиёр қилиб, аммо афсуски, карвонлар ўтувчи ва подшоҳлар юрувчи ҳаммага маълум йўлни ташлаб, бахиллар дилидан ҳам торроқ ўтарлик сўқмоқ орқали юришни ўзларига маъқул топдилар. Душманлар эса бундан қувониб, юракларига ҳазил сиғмай турган шу тобда «Ахир бу йўл писиб юрувчи ўғриларнинг ўтарлик жойи-ку, мардлар юрадиган йўл эмас. Дарҳол икки юз, уч юз нафар кўрқмас жангчимизни улар кетидан юбориш лозим. Тайинки, шу тариқа уларни қаергача етиб боришган бўлмасин, ўраб олиб, ҳалокатга маҳкум этамиз» дедилар мутойиба билан ва шу маслаҳатга кўра уч юз нафарга яқин кишини қалъадан чиқариб, улар кетидан жўнатдилар. **Назм:**

Исматийро ба мақоми жалол,
 Жилва ҳаром аст, магар ба ижлол.
 Дида ба ҳар рўе набояд кушод,
 Пой ба ҳар кўе набояд ниҳод.
 Ин офат ки ба тан мерасад,
 Аз назари тавбашикан бирасад.
 Дида фуру пўш чу дур дар садаф,
 То нашави тири балоро ҳадаф.
 Ҳар чи бажуз жуфти ҳалолат бувад,
 Рух манамо гар ҳама холат бувад.
 [Ҳаё аҳли учун улуғлик мақоми,
 Ҳаромдир, бу мақтовга сазовор.
 Ҳар бир юз томон қараш шарт эмас,
 Ҳар кўча сари қадам босиш керак эмас.
 Танга кирувчи бу офат,

Тавба бузувчининг нигоҳидан етар.
Кўзингни яшир садафдаги дурдек,
Шу сабабли бало ўқига бўлмассан нишон.
Жуфти ҳалолнинг бўлмаган нарсага,
Қарама ҳеч бир вазиятда ҳам].

Таъқиб қилувчилар олддаги душманни сира назардан қочирмай, улар кетича юрган кўйи намозшомнинг ғира-шира пайти «Олма барози» деган алмисоқдан қолган ўтарлик йўлга етишдилар. Бу йўлнинг бир томони ўта чуқур жарлик бўлиб, чуқурлиги икки-уч найза бўйи келарди. Лашкарнинг олди эса Оқсув¹⁹⁸⁶ дараси йўлидан кетмоқда эди. Хуллас, ана шу Илон йили, яъни 1274 санасининг раби ул-аввал ойида¹⁹⁸⁷ сипоҳлар якдиллик билан бекиниб келганча, тўсатдан хўқандликларга ҳужум қилиб, бамайлихотир кетаётган лашкар қалбига чунонам зарба урдиларки, ул эркак шерлар савлатидан лашкар аҳлининг қўрқмас сифатли ўтакалари ёрилиб, Банъот ун-наъш юлдузлар туркуми каби сочилган кўйи ҳар ёнга тарқаб, дуч келган томонга тумтарақай қочиб кетдилар. **Байт:**

Касеро зафар бо зафар ҳосил аст,
Ки он пурдилии лашкараш якдил аст.
[Кимга зафар фатҳ ила бўлса ҳосил,
Бу лашкарнинг бирдамигидандир].

Лашкарнинг мазкур ҳодисадан олдинроқ бу ердан ўтиб кетган қисми ҳамла балосидан саломат қолган эса-да, орқадаги тўс-тўполонни эшитиб, қоронғу тунда ана шундай тор жойли йўлдан кетаётгани сабабли ҳаммаси бирданига қочиб, қутилмаган олатасирда улар ҳам ёппасига деярлик барчаси *Олма барози* чуқурига қуладилар. Баъзилари эса Оқсув дараси бўйлаб ҳали нима гаплигидан беҳабар кетаётган қисм кетидан етишиб, уларни ҳам олатасир босқинига дучор қилдилар. //245^a Шу тариқа ҳар икки йўлдан кетаётган кишилардан кўпи ўз жонларини фано елига ўзлари совурдилар. Яъни ҳеч ерда ҳеч гап йўқ бир вазиятда ўлим сари пешвоз чиқдилар.

Айримлар бўлса қилич тиғи ва найза учига дуч келиб, душман билан олишган кўйи ўз жонларини жанг майдонида фидо қилдилар.

Аҳмоқ шиорлик Фозилбек *мингбоши* ўзига қарашли кишилар ва олти юз аскар билан бирга занжир бандига асир бўлиб, душман сарпанжасига тушди.

Ўша кечаси лашкар ичига азим бир ваҳима оралаб, кўшиннинг эсон-омон кетаётган қисми ўз билан ўзи овора бўлиб қолди, бироқ тонг отгунча душмандан ҳадиксираб, жаноби хоннинг атрофидан йироқлашмадилар ва шу бедорлик билан тонг ёришгунча хонни қўриқлаб чиқдилар. Жаноби олийлари тонг олди бироз мизғиб олиб, каллаи саҳарлаб уйғонди ва лашкар ҳам жаноб Амири валинаъми буйруғи билан олға сари йўлга тушиб, тез фурсатда Нов қалъасига етишдилар ва шу ерда тўхтаб, нафас ростлаш учун отлардан тушдилар.

Олма барози жарлигида оту яроғи билан бир-бирининг устига қулаб тушган минг нафарга яқин, ҳатто айтишларича, ундан ҳам кўпроқ сипоҳиларнинг аксари ўлишган, фақат оз қисмигина салпал ҳаракат қилганча ўз тирикликларидан аломат бериб ётишарди. Эртаси куни шу ён-атрофдаги даҳа ва қишлоқ аҳли кеча оқшомги шовқин сабабли воқеадан хабар топиб, катта бир йиғинни ташкил қилганча чуқурга қулаб тушганларга ёрдам бериш учун келдилар. Бироқ тирик қолганларни тортиб олиш мақсадида жар оғзида турганча эллик қулоч, юз қулоч узунликдаги арқонларни қанчалик пастга ташлаб кўришмасин бирор натижа чиқара олишмади. Чунки ташлаган арқонлари жарлик чуқурининг ярмига ҳам етмасди. Ноилож кимнинг ёнида нон ва бошқа егулик бўлса, пастдаги тириклар сари отиб юбориб, яна орқаларига қайтиб кетдилар. Сўнг *Оқсув дарасига* келиб, ўликларнинг анчасини кафанлаб, жойларига қўйдилар.

Душман аскарлари эса қўлга тушган асирларни Ўратепа қалъасига келтиришди. Фозилбек *мингбошини* бўлса Бухоро амири ҳузурига равона қилдилар. Амир Насруллоҳ Шаҳрисабз юришидан қайтаётиб, мазкур *мингбошини* Самарқанд шаҳрида дорга остирди.

Назм:

Ситеза макун зи онки боди ситеза,
Кунад боғи инсофро барг реза.
Ситеза ба жое расонад сухан,
Ки вайрон кунад хонумони куҳан.
Кунад оқил андар роҳи сулҳ сайр,

¹⁹⁸⁶ Оқсув мавзеи – Зомин тоғларидан оқиб келадиган Ўратепага яқин Оқсув дарёси атрофи.

¹⁹⁸⁷ 1857 йил 20 октябрь-19 ноябрь.

Ту ин роҳ мерав ки «ас-сулҳ хайр».
[Зулм қилма, зулм, уруш шамоли,
Инсоф боғини шип-шийдон этади.
Уруш сўзи етган жойда,
Қадимий турмуш, макон вайрон бўлади.
Оқил тинчлик йўлида сайр қилади,
Сен «сулҳ яхшидир» деган йўлдан юр].

Амири валинаъми ўша бир кунни Нов қалъасида дам олиш билан ўтказди ва эртасига тонг билан ул манзилдан кўзгалиб, манзилма-манзил юрганча, салтанат пойтахтига етишди ва йўл ҳордиқларини чиқариш учун, истироҳат ўриндиғига ёнбошлади. Шу кундан бошлаб тагин сипоҳ ва фуқаронинг қанча арз-доди бўлса, бир-бир сўрашга киришди. Ва шу зайл ўз вақтининг кўпини давлату подшоҳлик ишлари учун сарфлаб, бўш вақтларини айшу ишратга машғул бўлиш билан ўтказди ва шу тариқа жаҳонбонлик этмоқ, ҳукм юргизмоқ лаззатини татиди. Айтиш керакки, хон ёшлик гашти сурури ва подшоҳлик давлати ғурурига қарамай, илоҳий неъмат бўлмиш тавфиқнинг инобат қўлини замонанинг тариқат етуклигида мукамал муршиди Эшон Халифа Олтмиш кўлига берди ва толибларнинг бош ҳалқаси бўлиб, халойиқ рушди рашодига айланди, ҳидоят йўли бўйлаб қадам босиб, //245^б ҳидоят тилаганларга йўл кўрсатиш даражасига етишди. Бу соҳада ўзига тенгдош сулук аҳлидан ўзиб кетиб, тўғри йўл бўлмиш нафии исботга машғул бўлди. Шунинг шарофатидан кун-кундан давлати тараққий топиб, йўл кўрсатиш ишлари зиёда бўлди ва жаҳонбонлик ишларини етук бир суратда адо этганча умр гузаронлик қилди.

Ўша вақтларда мазкур эзгу ишлар асносида озгина меъёр бузилиши рўй бериб, иккита ақлсиз ўғри баччани ўз давлатхоҳларидан деб ўйлаб, олий саройга Мирзо Аҳмадни Тошканддан олдиртириб, *мингбошилик* вазирлиги билан сарафроз қилди. Ва Дўст Муҳаммад номли ўзининг *иноқини дастурхончилик* мансабига тайинлашни буюрди. Бу иккала гуноҳкор бир-бири билан иттифоқ бўлиб, подшоҳлик салтанати ишларини бажариш асносида салтанат тахтини қимирлатиш ва мамлакат иқтисодини қуйи туширишга сабаб бўлувчи ишларга қўл уриб, давлат ишида ҳаддан ташқари камомат ва меъёрдан юзага чиқишига боис бўлдилар. Шунингдек, жаноб амир Маллахонга нисбатан адоват йўлини тутиб, не нолойиқ сўзлар бўлса, султонлик жанобларига арз қилдилар. Бунинг орқасида сабабдан хон билан амирни бир-биридан ҳадиксирайдиган қилдилар. Шу орада амир Насруллоҳ Бухорий Ўратепани қўлга киритди ва Рустамбек юзни қатлга етқариб, Хўжанд устига бостириб келди ва шу ерда тўхтаб, қалъа атрофига тушган кўйи қамал расми билан Хўжанд қалъасини ўраб ўтирди. Шу сабабли Хўқанди латиф ичида ҳам талотўм тўлқини мавжланиб, халқнинг ғулғуласи афвожи шахру диёрга тушди ва олий буйруққа биноан теварак-атрофдан сон-саноксиз неча бир аскар йиғилиб, ҳар бир дарвозага биттадан сардор ва ҳар бир буржга биттадан амир, қалъанинг ҳар чекка бурчаги тагига биттадан лашкар тайин қилинди. Қалъанинг айланасини денгиз суви қатралари сонича киши билан атрофлаган кўйи ихота қилиб ўрадилар. Қалъага яқин-йироқ боғлар ва иморатлардан қалъани пана қилиб тўсишга яроқли қанча кераксиз дарахт, шох-шабба ва тўсин бўлса, кесиб, бузиб, эҳтиёт шарт юзасидан жуда кўп миқдорда келтириб, ғов ясадилар. Кечани кунга, кунни тунга улаб, мамлакат пайдорлиги ва қалъадорликка тайёр турдилар. Шу аҳвол асносида Малла Баҳодирхон ҳам доно табъида яширинган давлатни сақлаш масаласига оид фойдали маслаҳатини аркони давлат ва инсоф аёнлари ҳузурида баён қилиб, давлатхоҳлик юзасидан ва душманни дафъ қилиш йўли сифатида изҳор қилди. Аммо гарчи бу дилга ёқар сўз назар аҳлига маъқул тушган эса-да, мазкур *мингбоши* ва *дастурхончи* иккаласи бирга бўлиб, қадимий адоват юзасидан тўғри гапни эгри қилиб кўрсатиш мақсадида жаноби олий ҳузурида битта айбни юздан оширишга бел боғлаб, //246^а Худоёрхон ҳузурига кириб йиғи-сиғини бошладилар ва кўп ёлғонларни тўқиб, бир сўзи бўлса ўнтага етказдилар. Тўғриси эгри тушунчалар билан қориштириб, жаноб валинаъмининг дилини амир Маллахон Баҳодирга қарши бадғумон қилишга эришдилар ва яхши фикрини бутунлай ёмон томонга ўзгартириб, ҳатто қатл этишга кўндирдилар. **Назм:**

Забонҳо ки яке гардад танвир
Кунад афсунсон бар санг таъсир.
[Тиллар бир бўлса,
Афсундек тошга таъсир қилар].

Шу тариқа наққош урган қалам изларининг нақшидек алар дилида ўтириб, Маллабек ҳам душманларнинг азобини ишонч кўзи билан билиб, туни билан барча маҳалла кўйга ва қишлоқларда бор одамни йиғиб, уларнинг атвор ва аҳволларидан хабардор бўлиб туриш учун тайинлади. Чунки ишонч билан билган эдики, агар бирон фурсат ва соат тўхтаб турса, иш ёмонлик билан яқун топмай

қолмайди. Шу сабабли жуда чакқонлик билан енгил учувчи учқур самандига миниб, ўз уйини ҳиммат пешрави ясаб, бадар кетди. **Байт:**

Касеро ки Эзид кунад ёвари,
Ки ёрад ки бо вай кунанд довари.
[Кимга Худо ёрлик қилса,
Кимнинг бунга қашилик қилишга кучи етади].

Тезлик қаноти билан уйга етгач, қараса, барча навкарлари қуролланган ва мукамал ҳолда унга мунтазир ва шай туришибди. От йили 1275 сананинг зафар билан якун топгувчи сафар ойида¹⁹⁸⁸ бахтли бир соатда аломот бахти воситасида икки юз нафар довюрак номдор киши билан йўлни чаппа ташлаб, Ғозий ёғлиқ дарвозасидан ташқари чиқди. **Байт:**

Сипахро ки перўзманди расад,
Зи ёрони якдил баландий расад.
[Кўшинга ғалаба ёр бўлса,
Бу ютуқ якдилликдан етади].

Шу кўйи одам юрмайдиган йўлдан дашт юзи билан Сари қўрғон томон тез учар отлар жиловини тортиб, бадар кетишди. Маллабекнинг чиқиб кетганидан хабардор бўлишгач, афсус-надоматлари фойда бермади. Ул шермард орқасидан бир неча *понсад* одамни қайси йўл бўлса тайин қилиб, жўнатдилар. Қанчалик ахтармасинлар, икки кунми, уч кунми барча тоғу саҳрони кезиб, ҳеч бир асар ва аломат зуҳури уларнинг чанги кетидан ета олмай, қайтиб келдилар. Бўлиб ўтган барча гапни келиб, жаноб валинаъмит ҳузурида тазкираи баён қилдилар. **Мисраъ:** Чаро коре кунад оқил ки боз орад пушаймони (Ақлли одам нега пушаймонлик келтирувчи ишни қилиши керак экан.)

Амир Малла Баҳодирхоннинг Худоёрхон устига бостириб келгани ва кўп лашкар тўплаб, оламни яратган эгамнинг лутфу инояти билан Хўқанди латиф вилоятини фатҳ этгани зикри

Овозам шуд баланд мегўям,
Ки маро чизе аз даҳон бижаҳад.
Раҳнавард баёни ман шуда аст,
Тарсам аз дасти ман инон бижаҳад.
[Овозам юксак бўлди, дейман,
Нима чиқса оғзимдан.
Йўллиғим менинг сўзларим бўлмиш,
Қўрқаман кўлимдан жилов чиқар деб].

Тугунларни ечувчи ақл эгалари кўнглига ва сўз маъноларини билувчи нуктадонлар дилига бу сўз ҳақиқати яширинча қолмағайким, //246^б Аллоҳнинг ердаги сояси ўз давлати ишида илоҳият корхонасидан тушган нарсаларни намуна сифатида билиб, унга вужуд суратини берса, бу асл подшоҳлик иши бўлажак. Яъни ҳазрат худованднинг – *буюклиги улугдир* – тенгсиз зоти шериклик сифатидан покиза ва холи бўлгани учун бундан огоҳ уддабурон подшоҳлар ҳашамати ҳам шериклик айбидан покиза ва холи бўлмоғи лозим. Шундагина у субҳоний вужуднинг ердаги сояси бўла олғай ва қўлдан келгунча жаҳонбонлик ишларини адо эта олғай. **Мисраъ:** Султон яке сазад, чу худои жаҳон якест. (Султон бир бўлса ярашиқли, чунки жаҳон худоси биттадир]. Борди-ю бу ҳикматга тескари равишда бир мамлакатнинг салтанат юмушларини бажариш ва юрт ишларини адо этишда икки ёки ундан ортиқ киши қатнашиб, шериклик қилмоқчи эса ҳар ойина «Лав фиҳо илаҳта иллаллоҳ нафсадто ала ашраъ ул-ҳол» ояти каримасига кўра, мулку мол ишлари халал топади. Бу халаллик фитначи ва бузукчилик кўзғовчилар томонидан амалга оширилиб, шаҳар фуқаролари боши ва вилоят аҳлиси устига бало каби сочилади, сўнг бу сингари бузуқилар бемалол равишда эмин-эркинлик майдонига қадам ташлаб, амирлик ва мамлакат юзини бадбахт иш буюрувчилар вужуди билан ифлос қилиб, нобудлик сари йўналтирайди. **Байт:**

Макун дар мулк ду султон, ҳар чи хоҳад,
Ки ширкат бар наояд подшоҳий.
[Бир мулкда икки султон қилма худойим,
Шериклик билан подшоҳлик бут бўлмас].

Бу усулнинг тасдиғи хонлар хотимаси Худоёрхоннинг бузилган аҳволи эрурким, унинг замонида кундан-кунга фитна ва фасод аломатлари бир неча баробар кўпайиб кетди. Хўқанди

¹⁹⁸⁸ 1858 йил 10 сентябрь-9 октябрь

латифнинг боши султон ва амирлар ўртасидаги жанжалдан чиқмай қолди. Давлатни бошқариш учун амирлар ва вазирлар ўртасида мусобақа авж олиб, шерикликдаги ҳукумат оддий бир нарса каби бўлди. Шу сабабли барча ишлар тартибига кўп бош-бошдоқлик йўл топиб, тинчлик ва хавфсизлик анқоси биратўла юзини яшириниш мағриби томон ва беркиниш макони сари тутди. Бебошлар қўли аҳолининг ор-номус этаги сари чўзилиб, шаҳар халқи ва юрт аҳолиси вужуди додга етмаслик оловида куйиб, жафоли турмушнинг тутуни осмон томон ўрлади. Мамлакат жилови кимнинг қўлига тушса, худди бегоналардек иш тутиб, ўз халқига озор беришдан тийинишмади. Ўзи билан ўзи андармон бўлган жаноби султоний булардан беҳабар эди. **Назм:**

Агар зи боғи раият малик хўрад себе,
Бар оваранд ғуломони ў дарахт аз бех.
Ба ним байза ки султон ситам раво дорад,
Зананд лашкариёнаш ҳазор мурғ ба сих.
[Агар халқ боғидан подшо бир олма олиб еса,
Ғуломлар дарахтларни тагидан қўпоришади.
Султон яримта тухумга ситам раво кўрса,
Аскарлари минг товукни сихга тортишади].

Иш шу тартиб ва ҳол билан //247^a бу тариқа қарор топгач, султон Маллабекнинг норозилик ва ғазаб ели подшоҳлик ва жалол даҳшатидан ҳаракат ва эсишга кириб, ўз ўрнидан кўзгалди. Бунинг ёйилиш палоси асоси Турон мамлакати ва Фарғона мулкани оз вақт ичида қамараб олди. Бу ишнинг тафсилли шуким, Худоёрхон мазкур вилоятларга юқорида айтганимиз дастур билан эга чиққан ва бир неча кун зарар қўллари олови барча халойиқ сари алангаланиб турган маҳал бўлмиш бир минг икки юз етмиш бешинчи (1275/1858) ҳижрий йили султон Маллабекнинг асл зотида оқиб турган исён ва бедодлик қони ҳаракатга келиб, нифоқ ўчоғидан учкундек чарсиллаб отилишга киришди. Хусусан, Амир Насруллоҳ Бухорий кўп ғурур ва сон-саноксиз кўшин билан Хўжанд устига келиб, қамални қаттиқ ва зич олиб, ёв ва душман аҳли урушни қизитиб турган маҳалда Маллахон вужудига қон оқизувчи ул ҳис-хаёжон йўл топганди. Хоннинг бу пайтда Маллабекни йўқотишга куч ва қудрати етарлик эмас эди.

Шу сабабли таваккал умидини жаноби ҳазрат борий таоло, ёрдам қўлини эса қариндош-туққанларининг лутф ва меҳрибонлик этаги томон чўзиб, мазкур санада Хўқанддан чиқиб, Гулша(Кулжа) сари йўлга тушди. Уруш кишиларини ул номдор баҳодир кетидан равона қилганлари билан қанчалик ахтармасинлар, султоннинг чанги кетидан ҳам ета олмадилар. Қайтиб келиб, нима воқеа бўлган эса хон арзига етказдилар. Ва амир Маллахон шу тезлик билан чўлу тоғни босиб ўтиб, шу кун қош қорайганда Тамошо мавзесига тушди. Озгина фурсат дам олгач, ёнида бор овқатдан тамшаниб, куч-қуввати учун дармон қилди. Сўнг отга миниб, шу от қувдирганича ота-бободан бу саодат нишон шоҳнинг макони бўлмиш Гулша мавзесидаги Олим ибн Ҳасанбий ибн Шоҳ Мирзобийнинг олдига етишди. Бу бахтли кўмакдош, олий мақомли тилакдош киши хонзоданинг ўзини унинг кифоятли қўлига топширганини кўриб, бирга бўлиш борасида бир қарорга келди. Бу қарор Маллахоннинг олий ҳузури арзига етгач, ўша пайтда жаҳон ёндирувчилик ва душман куйдирувчилик қувватига эга ва //247^b овозаси тўлқини оламга ёйилган бу тилакдош ҳеч иккиланмай ва вақтни ўтказмай, дарҳол ул илтимоснинг қабулига тиришиб, теварак-атроф ва хешу ақрабога Саййидбек *додхоҳ*, Фўлод *додхоҳ*, Чўтан *додхоҳ*, Мулло Мурод *додхоҳ*, Қўйчибий¹⁹⁸⁹, Девона *додхоҳ* каби ва ҳар бири неча бир *қирғизия* уруғ ва аймақ ва *жумбагишия*, *қирғиз-қипчоқия*нинг сардори бўлмиш бошқаларга одам юбориб, «ҳар бирингиз ўз уруғингиз лашкари билан мулло Алиқули Баҳодирнинг макони саналган Қаросув мавзесига келинглари» дея айттириб юборди. Ҳар бири неча бир минг лашкар билан йўлга тушдилар. Мазкур лашкарнинг келишидан олдин Маллабек тоғ йўлидан юртлар фаҳри Қаросув томон юриб, Қаросув шаҳри бу майманат лузум қадам бахтидан ўзгарувчан гардун юзини ғайрат-рашкка солди. **Назм:**

Ҳамерафту бар шиша месуд санг
Ҳамегуфту аз чехра мерехт ранг.
Сареро ки савдои тож асту коҳ,
Ҳаме дун хўрад захмаи меҳру моҳ.
[Етарди-ю, шишага тош сурарди,
Гапирарди-ю, юздан ранг кетказарди.
Сарой, тож савдоси бор бошлар,
Бари қуёш, ойдек ер тубан кетарди].

¹⁹⁸⁹ Қўйчи додхоҳ қирғиз (1867 йилда ўлдирилган) – қўшбеги.

Қанча мубориз бўлса, бир ерга тўпландилар. Қаерда шижоатда ёлғиз ва бошқалардан аъло жангчи мардлар бўлса, хатлар юбориб бир ерга йиғдилар. Сўнг у ердан Андижон томонга юргач, ул диёрнинг қай тупроғи ва даласига тушган эсалар, у ерни Эрам боғи¹⁹⁹⁰ гулистонига айлантириб, Худоёрхон замонидаги қатли ордан қочиб, ҳар бири оз-оздан бирор бурчакда бекиниб ётган қипчоқия қабиласининг барчасига кўп ваъдалардан дарак берувчи иноятномалар юбордилар. Андижон атрофидаги қазок, турк, жумабош, олқор, қалмоқ, тожик каби тўқсон икки қабиладан иборат аймоқия жамоаси ва бошқаларга хатлар юбориб, ҳар биридан катта қўшин йиғиб, ҳимматнинг йўналиш юзини Хўқанд томон қаратдилар. Бу катта қўшин шу зайл аста-секин келаркан, қаерда бир номи чиққан мубориз бўлса, эринмасдан лашкарга қўшиб олиб, қандай камчиликлар бўлса, бутлаб, бузуқ асбобларни тўғирлаб, кундан-кунга лашкар сонига-сон қўшиб, мамлакатнинг турли ерларидан яна одамлар чақириб, бир ой давомида ўттиз мингга яқин, балки кўпроқ ишга яроқли кишини тайёр қилиб, ҳеч нарсадан қўрмасдан ана шундай шавкат билан Ришдон қишлоғининг жанубий томонига етишдилар. 1275/1858 йилда Хўжа Илғор мавзесига қўш ташлаб, шу ерни улуғворлик чодирларининг маконига айлантирдилар.

//248^a Бу ёқда амири кабирнинг Хўжандга етиб, унинг келганидан Бухоро подшоҳи хабар топгач, хоннинг улуғворлиги овозасига тоб келтира олмай, Хўжанд устидан кўчиб бадар кетди. Амир Худоёрхон Бухоро подшоҳидан хотиржам бўлиб, оти жиловини Маллахон томонга бурди. Уруш асбобининг қанча бузуқ-синиқи бўлса, тузатди. Катта қўшин мазкур йилнинг раби ул-аввал ойининг ўн бешинчиси (1275 йил 15-раби ул-аввал/1858 йил 23 октябрь)да кўп одам билан намози жумадан олдин ғуруру сурур билан чиқиб, Кошғар қишлоқ деган жойнинг дашт юзасига келиб тушдилар. Ва ўша куниси лашкар ахлининг барчасини даста-даста қилиб, ҳар қайсини бир номдор сардорга топшириб, туни бўйи эса шу дашт кенглигида йўл босишга тушдилар. **Назм:**

Ҳамон марҳала аст ин биёбони дур,
Ки гум шуд дар ў лашкари Салму Тур.
Ба жуз хоки хубон бар ин дашт нест,
Ба жуз хуни шоҳон дар ин ташт нест.
[Бу узок биёбон ўша ердирким,
Унда Салму Тур қўшини йитган.
Бу даштдан яхшилар хокидан бошқаси йўқ,
Бу лаганда шоҳлар қонидан бошқаси йўқ].

Шу юриш билан субҳи содиқ машриқ уфқидан ёришиб, ўз борлигини намоён қилган чоғи душман жойлашган манзил устига етишдилар ва отлар жиловини тўхташ учун тортдилар. Жаноб Маллахоний амир Худоёрхоннинг бу тўхтовсиз журъатидан вуқуф ва хабар топса-да, юзига қўрқув аломатини солмай, ўз чодиридан ташқари отилиб чиқди ва қаҳрамон асослик ўз шахси билан душманни йўқ қилишга отланди. Ҳар икки лашкар бир-бири рўпарасида туриб, сўнг бирданига тўқнашув садоларини янграган кўйи шундай жанг қилдиларки, Рустами достон ва Исфандиёри номдор¹⁹⁹¹ иши замон аҳли назарида хору безътибор бўлди. **Назм:**

Жаҳони сипаҳдори туркон расид,
Зи Турон ба Хўқанд сипоҳе кашид.
Ба олоти бекору соза бизад,
Зи гарданда гардун бар овард гард.
Ту гўйи ки карда ба фармондеҳи,
Ҳама мулки Турон зи оҳан тихи.
[Турклар сипаҳдори жаҳони келди,
Турондан Хўқандга қўшин тортди.
Уруш асбоблари билан ташланди,
Айланувчи гардундан чиқарди чанг.
Гўё бериб шундайин фармон, Туроннинг
Бари темирин кийдирганди аскарига чунон].

Бу уруш-савашдан дашт юзаси ҳар икки лашкар жонбозлари билан тўлиб, узок-яқиндан қараган одамга ҳар бир тош усти лолазор бўлиб кўринарди. Ҳар бир номдор марднинг боши қараган-

¹⁹⁹⁰ Эрам боғи – Арабистонда Шаддод номли подшоҳ қурдирган боғ. Шаддод уни ер юзида осмоний жаннатга тенг қилиш ниятида қурдирган, аммо, боғ барпо этилиб, ичига кириш арафасида худо амри билан шоҳ ҳалокатга учраган ва боғ ҳам кучли момоқалдиروق натижасида ер билан якон қилинган. Ҳозир унинг қолдиқлари Сурияда топилган бўлиб, “Семирамида боғлари” харобалари номи билан машҳур.

¹⁹⁹¹ Асфандиёр/Исфандиёр – “Шоҳнома” асари қаҳрамонига ишора. Исфандиёр ибн Гуштасп.

қарамаганнинг назарида худди човгон тўпи каби эътиборсиз туюларди. Жанг аҳли шундай ҳаракат билан ҳаракат қилишардики, малаклар фалак томида булар ишига таҳсин ўқиб, офарин айтардилар. Ниҳоят фатҳу зафарнинг анбар тароватли насими Маллахон исмли адолатли ва яздоний муҳаббатга сазовор хусравнинг нусрат асарли лашкари байроғи сари эсиб, енгиллигининг бахтсизлик тупроғи Худоёрхон лашкари боши устига сочилиб, қочиш гапини тургандан кўра яхшироқ билиб, айёр аҳлининг ақл режаси ер билан яксон бўлди. Ёрдам тилаш қўлини «ўз вақтида қочмоқ яхшидир» мазмуни этаги сари чўзиб, юзларини уруш майдонидан ўгирдилар ва шамолдан тез елиш, елдан эса тез //248^б суръат ва шитоб оҳангини қарз олиб, лашкарининг ҳар бири бир томонга ва дуч келган бурчакка эмаклаб, бадар кетдилар. Амир Худоёрхон ёнидаги озгина кишиси билан қочган кўйи ярим тунда Хўқанд шахрига келиб кирганча қамалиб олди. Қасофат шиорли Мирзо Аҳмад *мингбоши* ўз гуруҳи билан Бухоро йўлини тутиб, бадар кетди.

Шу зайл Маллахоннинг одамлари душман аҳлидан анчасини асиру дастгир қилиб, гавдалари мамлакатини ҳаёт дунёси юзидан супуриб ташладилар. **Назм:**

Сиёсат писандида бошад бештар,
Ва ликан нагуям ки бо ҳар касе.
Бихўр мардум озорро хуну мол,
Ки зи мурғи бад канда беҳ пару бол.
[Дўқ-пўписа қилиш яхши нарса-ю,
Лекин уни ҳаммага ҳам қилма.
Халққа озор берувчининг е жон, молин,
Ёмон қушнинг пару қанотини қирққан яхшидир].

Маллабек қиёмат аломатли туғён билан «Ишимизни яхшилик ва зафар билан якунла» мазмунича шанба куни оҳиста-секин юрган кўйи одамларнинг яхшиси деган ном билан Хўқанд шахридан тахминан ярим фарсанг берида жойлашган Сартол мавзесига келиб тушди. Бир неча кундан сўнг Марғилон дарвозаси йўли билан Хўқанд шахрига қарашли қишлоқлардан бир бўлмиш Тўқай тепа мавзесига келиб тушди ва шу ерни ўзининг шавкатли кўшини чодирини майдонига айлантди. Ҳарбий расмга кўра, ўз ён-атрофини қалъа ихотаси каби ўраш учун хандақ ясаиб, хотиржамлик билан шу ерданоқ Хўқанд қалъаси қамалини бошлаб юборди. Шаҳарнинг қанча музофот, даҳа, қишлоғи бўлса, ҳар бирини мос равишда ақлли ва босиқлик билан иш кўрувчи ишбилармон кишиларга топшириб, лашкар сарфи учун бу даҳа ва қишлоқлардан пул борми, ғаллами йиғдириб, аскарлар таъминоти учун сарфлади. Шу ҳол асноси ва гап-сўзлар устида мазкур қамалнинг ўн биринчи куни ҳафтанинг сешанбасида ён-атрофдаги даҳа ва қишлоққа юборилган амалдор ва аскарлардан бир дастаси бемалол ва эмин-эркинлик билан Дараи Исфара даҳасида Муҳаммадкарим девона мавзесига кўним ясаб, ул томоннинг аҳолисидан *авлод пули* ва хирман кўтариш ўлпонини (хирманпули) ундириб ўтирган эдилар. Бунча оз одамнинг бир ерга йиғилгани хабари Худоёрхонга маълум бўлгач, ҳеч тўхтовсиз ҳар бири ўз замонаси ягонаси ва даврон яктоси бўлган Худоёрбек *кенагас*¹⁹⁹², Султонбий юз, Ниёзали Тошкандий ва Мулло Абдулазиз *тожик* исмли тўрт нафар *понсад* сардорни етти юз нафар жанг кўрган довюрак одам билан бирга ўша сешанбага ўтар кечаси қалъадан чиқариб, ўшалар томонга юборди. Ул мазкур кишилар илғор йўсини билан йўл юриб, саҳро ва даштларни босиб ўтдилар ва субҳи содиқ вақтида ул ғафлат босганлар устига етишиб, карной навосини ярим уйқуга кетган бу хушсизлар қулоғи сари чала киришдилар. Ётганлар бу ногоҳоний овозни эшитган заҳоти саросимада қолган кўйи ҳар бири бир ердан сакраб туриб, юзини ювиб-ювмай, ирғиб отга миндилар ва оз фурсат ичида катта кўшин қалбига ёпирилиб бордилар. Бу мардларнинг зарбасидан душман юраги така-пука бўлиб, ҳар томонга ёйилиб ва тарқаб кетди. Баҳодирлар //249^а эса душман орқасидан чорак фарсах ва ярим фарсах қилич солганча қувлаб бордилар ва қочганларни ярадор қилиб, айримларини ўлдириб, ўз жойларига қайтиб келдилар. Уйқуда ётган айрим ғафлат босганлар эса жонларидан кўрқиб, ўзларини дарахтлар орасига ва ўтлар панасига урган эдилар.

Аммо хонлиқнинг саф ёрувчи баҳодир ва курашчиларидан юз-икки юз нафари ўзини ... ёнидагилардан ажратиб, баланд бир тепалик устига чиқиб, душманга кўриниш бериб тургандилар. Шу аснода Банот ун-наъш юлдузлари каби ҳар тарафга сочилиб кетган мазкур тўрт сардор ярим йўлда тагин барчаси Парвин юлдузлар туркуми каби бир ерга йиғилиб, ўз қилмишларидан афсуснадомат чекиб, бир-бирига қасамлар ичириб, қаттиқ аҳду паймон қилишиб, ор-номуснинг чарм

¹⁹⁹² Кенагаслар – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Хоразм, Бухоро вилояти, Фарғона водийси, Қорақалпоғистон ва Шимолий Афғонистонда яшаган, таркибида бир қанча кичик қабил ва уруғлар бўлган. Булардан энг йириклари очамайли, кирей, абак кирей, овоқли, тароқли, чуют, қайри соли ва ҳ. Шаҳрисабз ва Китоб атрофида ҳукмрон қабил бўлган.

ниқобини юзига қалқон қилганча ғаним устига қайтиб келдилар ва овда ҳамжиҳатлик қилувчи шерлар каби тўла шитоб билан тўсатдан ўзларини улар сафига урдилар ва шу олишувда бир нечтани аёвсиз қилич тиғидан ўтказиб, ул қавмнинг ўттиз беш нафарини асир олдилар. Икки юзга яқин отни ҳам ўлжа олиб, фатху ғалаба билан қайтишга муяссар бўлдилар. Беш-олти кишини суюнчилатиб ўзларидан олдин югуртиб жўнатдилар. Ўша куниси иттифоқий қазо билан Қосим *мингбоши* Марғинон дарвозасига чиқиб, довюрак ёш-ялангларни тўп-тўп, байрақ-байрақ қилиб қалъадан ташқари чиқариб, урушга ташлаб турган эди. Амирлар, фозиллар ва давлат устунлари эса вақтни кутиш юзасидан Ўрдада худди кийим тугмалари каби бир-биридан ажралмаган тарзда биргалашиб ўтирган эдилар. Ўша вақтда ул беш-олти нафар суюнчилаш учун келаётган кишилар қиличларини яланғочлаган кўйи отларни чоптириб, терга ботганча Ўрда эшигига етишдилар. Халқнинг кўпчилиги ёғий бостириб келаяпти, деб ўйлаб, Ўрда ичи ва тешида одам қолмай, ҳар томонга ёйилиб ва тарқалиб кетишди. Очиғи ҳеч бир замонда бундай тўс-тўполон ва ваҳимали ҳодиса рўй бермаганди. Одамлар ўзини дуч келган эшик ва тешик-ёриққа уриш учун ҳаллослаб қочишар эди. Ура қочганларнинг бошлиқларидан бири Отабек *доругабоши* бўлиб, ўзини қалъа деворидан пастга отиб, битта оёғини синдириб олди. Хоннинг хос маҳрамларидан ва жонини тиккан давлатхоҳларидан бири бўлмиш Ҳамроҳқули *эшик оғоси* эса ўзини баланд томдан ташлаб, бу сакраш зарбидан ул нопокнинг мойклари йиртилди. Дўст Муҳаммад *дастурхончи* ҳожатхона деворини ичдан бузиб қочган. *Қозилар* ва *муфтилар* дафтар ва қаламдонларни ташлаб, булар ҳам қочиб қолишган. Мана шунақа воқеалар рўй бериб, Ўрдада Саййидхон тўра *мир асад*¹⁹⁹³ Хўжа аҳроридан бошқа киши қолмаган. Мазкур хон бу воқеадан хабарсиз ҳарам ичида ўтирган экан. //249^б Ташқарига чиқиб қараса, иш бундай расволикка бориб етибди. Не можаро бўлса, Саййидхон тўра тилидан зикр этилиб, хон шу билан тинчланибди.

Ўша куннинг кечкуруни кўшиннинг жанг учун ташқаридан чиққан кўпчилик шерюраклар эсон-омон қалъага кириб, валинаъмининг дуои жонини қилиш учун қайтиб келишди. Ўша зулмоний тун қоронғулиги равшанлик нурига алмашди.

Ҳалиги қочганларнинг сардори бўлган шаҳар кўрбошисини қочиб кетаётган пайти одамлари ўтин бозоридан қайтариб келиб, мансабидан тушириб, ўрнига Худойназар *аминни кўрбошилиқ* мансаби билан сарафроз қилдилар. **Байт:**

Рўзи тамаъ зи килки тиҳи мағз доштан,
Ангушти худ ба вақти зарурат макидан аст.
[Мақсадга етган куни нима қилишни билмасанг,
Зарурат чоғида ўз баромоқларингни эмганингга ўхшар].

Алқисса, шу тариқа қалъа қамали йигирма бир кунга чўзилди. Кундан-кунга шаҳар аҳли ҳолсизлик ва хароблик гирдобида қолиб, Маллахоннинг тараққийси эса зиёда бўла борди. Валинаъми ўзининг иқболи толесининг ёмонлигига олий фикри билан нечоғлик чуқур назар солмасин, ҳеч юзадан унинг очилиш йўлини кўрмади. Маслаҳат юзасидан яхшилик умидида ўша йилнинг чоршанба куниси эшон шайхулислом Сулаймонхўжа, Эркабой *додхоҳ юз*, Тақдиршоҳ *тожикни* тарафларнинг сулҳи хайрият анжомлиги учун чиқарди ва музокара гап-сўзлари бир-бирига етказилгач, қанча гина-кудурат бўлса ўртадан олиб ташланиб, сулҳ тузишга яқин қолган аснода Малахоннинг Андижон ҳокими бўлмиш укаси Сўфибек ва Марғинон ҳокими Шохмуродбек пайшанба оқшоми Хўқанднинг Қатаған дарвозасини очиб, ўз лашқари билан бирга қочиб кетишди. Шаҳарнинг Марғинон дарвозасидан эса Қосим *мингбоши*, Шодмонхўжа *додхоҳ*, Якуббек¹⁹⁹⁴ *понсад*, Тоғлиқ дарвозасидан Йўлчибек *понсад*, Сармазор дарвозасидан Муҳаммад Назар *фармончи* Тўрақўрғон ва Намангон лашқари билан ташқари чиқиб, Маллахонга бориб қўшилдилар. Қалъа атрофида ва шаҳар ичида амирлар, вазирлар, *понсад*¹⁹⁹⁵ *у юзбоши*¹⁹⁹⁶ лардан бирон сипоҳий қолмади. Худоёрхон бу ҳолдан хабар топиб, юз минг дардли ҳасрат билан укаси Султонмуродбек ва ўзининг бир нечта маҳрами билан бирга хуфтон вақти тўхтовсиз равишда Хўжанд томонга чиқиб кетди. Ўша кечаси жуда тезлик билан йўл юриб, тонг пайти Хўжанд шаҳрига кириб борди. У ерда Худоёрхон

¹⁹⁹³ Мир асад – миршаблар (полиция) бошлиғи.

¹⁹⁹⁴ Якуббек – Муҳаммадқуббек Бадавлат (1820. Пскент-1877. Қошғар) – Шарқий Туркистондаги Еттишаҳар давлатининг асосчиси. 1877 йили захарланиб ўлдирилган. Асли Пскентлик бўлган. Синглиси Нормуҳаммад парвоначига эрга теккан эди.

¹⁹⁹⁵ Понсад – беш юз нафардан иборат ҳарбий бўланманинг кумондони.

¹⁹⁹⁶ Юзбоши – юз нафар сарбоз, аскарга бошлиқ.

фармони бўйича Муҳаммадмусо *додхоҳ*¹⁹⁹⁷ ҳокимлик қилар эди. Фармон *додхоҳ қурама* эса илғор тариқаси билан истиқомат қилиб ўтирганди. Бу иккаласи қочиб келган Худоёрхонни //250^a Аркка киритиб, тўла иззат-ҳурмат билан кутиб олишди.

Худоёрхоннинг ўша кечаси чиқиб кетгани эрта тонгда зарринтоб офтоб машриқнинг чашмасоридан шоён ва намоён бўлгач, иззат-икромли уламолар ва мухтарам фозиллар, шаҳар аёнларининг катталари ва фукаролар ҳар бири ўзининг тўпи билан гуруҳ-гуруҳ ҳолда амир Маллахоннинг пешвозига чиқиб, табриклашга тушдилар ва «салтанат муборак бўлсин» деган сўзлар билан олқишлаб, маврусий тахту тожни эгаллашини таклиф қилдилар. **Байт:**

Тарёку заҳар ҳар ду маро дар хазона ҳаст,
Онро ба дўстон диҳаму инро ба душманон.
[Тарёк ҳам, заҳар ҳам бисотимда муҳайё,
Бирини дўстга бераман, бирини душманга].

Шаҳар аҳолиси ул соҳиби салтанатни кўриш учун кўча ва бозорларга чиқиб, ул номдорнинг хайриятли қадамани кутиб турдилар. Олтинчи раби ус-сонийда жумъа куниси чоштгоҳ вақтида саф ёрувчи шижоат эгалари ва диловар мардлардан иборат лашкар саф-саф бўлиб ҳар ким ўз уруғ ва қабиласи билан кўриниш бериб ўтдилар. Улар сони ҳаддан ташқари бўлиб, оқиллар ақли сон-саноғига етишдан ожиз, закий ва донолар санашдан ноқису калта келарди. Қисқаси шу улуғворлик ва шавкат билан айшу-ишрат, ўйин-кулгу, хушчакчақлик тимсоли бўлмиш Зухра юлдузи подшоҳлиги саналган жума куни яхши бир онларда шаҳарга кириб, султонлик тахтида қарор ва ором топди.

Шеър:

Худоё, то фалак сарбаландиист,
Баландонро зи ҳикмат аржумандиист.
[Эй Худо, фалак сарбаланд экан,
Юксакларни ҳикматдан азиз тут].

Худоёрхон ўн тўрт кунгача Хўжандда истиқомат қилиб, ўша йили минг бир ҳасратга тўла юрак билан ул вилоятдан чиқиб, Бухоро томонга йўналди.

Мақсади ҳосил шахриёр Саййид Малла Баҳодирхоннинг жаннатнишон Хўқанд шахрида хонлик салтанатини ўз ташрифи билан беагани ва ўз гиромий номи билан хутба ва тангага зийнат бахш этгани достони

Гар набуди назми Фирдавсий¹⁹⁹⁸ чи доништи касе,
Базми Кайковусу разми Рустаму Исфандиёр.
Гашт аз назми Низомий¹⁹⁹⁹ номи Баҳромий баланд,
Шуд зи шеъри Анварий²⁰⁰⁰ авсофи Санжар²⁰⁰¹ ошкор.
Баъд аз он дар инқизои вақт Аттори ҳазин,
Васфи шоҳони Хўқандро ба насри эътибор.
Шарҳ бинмудам насаб аз авлоди шоҳ Бобурий,
Сохтама таҳрир кардам, чунки монад ёдгор.
Исми зоташро бигўям чунки донад ҳар касе,
Аъзи алқоби самуяш Маллахони номдор.
[Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони бўлмаганда,
Кайковус базми, Рустам, Исфандиёр размини ким биларди.
Низомий назмидан Баҳром номи овоза бўлди,
Анварий шеъридан Санжар васфи оламга таралди.
Ундан сўнг замон тақозаси билан мунгли Аттор,
Хўқанд шоҳлари васфини насрда ёйди.
Шоҳ Бобурий авлоди насабини шарҳладим,

¹⁹⁹⁷ Муҳаммадмусо парвоначи – турк қабиласидан. Шаҳрихон (1852), Хўжанд (1858), Тошкент (1858-1859), ҳокими Зомин қалъасининг кутволи (1861). Яъқубек давлатида тўқсабо ва салом оғаси унвонида Оксу ҳокими бўлган. 1877 йили Фарғонага қайтган.

¹⁹⁹⁸ Фирдавсий – Абулқосим Фирдавсий Тўсий (940, Тўс,- 1020 ёки 1030, ўша жой), форс-тожик шоири. “Шоҳнома” асарининг муаллифи. Асарини 976 йилдан бошлаб, 35 йил давомида ёзган (иккинчи таҳрири 1010 й. амалга ошган).

¹⁹⁹⁹ **Низомий** – Абу Муҳаммад Илёс ибн Юсуф ибн Заки Муайид (1141-12.3.1209 Ганжа) форс-тожик тилида ижод қилган шоир ва мутафаккир.

²⁰⁰⁰ **Анварий** – Авҳадуддин Али ибн Муҳаммад Исҳоқ (1105-1187) форс-тожик шоири.

²⁰⁰¹ Султон Санжар/Синжар – салжуқийлар султони Санжар (1118–1157) назарда тутилмоқда.

Ёдгор бўлсин деб уларни ёздим.
Исми зотини айтсам, ҳар бир одам билади,
Мақтов иззатли исми эрур атоқли Маллахон.

Хаёл ойнаси зуллилликчалол ҳазратнинг ҳамди нури билан жило ва дил ойнаси расулла саййидининг наъти ёғдуси билан сайқал топгандан сўнг аҳвол сурати шундай юз кўрсатадимики, //250^б ҳазрат Ҳақ – *шаъни улугдир* – ҳикмат тақозоси билан бу жаҳонда подшоҳлик салтанати ва ҳукумат юргизиш ҳамда фармон беришлик пойдеворига асос солиб, мақсади ҳосиллик тахти шоҳлари ва шаҳриёрлик ўриндиғи хусравларини айримларингизни айримларингиздан юқорироқ даражаларга кўтариб қўйган»²⁰⁰² шарафи билан сийлаб, ҳар бир юртни биттадан юртбошига берган ва халойиқнинг ихтиёр жоловини «ҳокимлар амрига бўйинсунингиз»²⁰⁰³ ҳукми бўйича уларнинг фармони кўлига тутқазиб, оммага шу ҳукмдорлар итоати сари йўл кўрсатиб, олий даражали «Аллоҳ йўлида... жаҳд қилингиз»²⁰⁰⁴ хитобига мушарраф қилган. Демак куфр ва исён аҳлини яқсон қилиш, нифоқ ва туғён йўлида юривчиларни йўқотишни ўзининг мустаҳкам, тўғри дини ва мустақим, ойдин миллати ривожи учун уларнинг ҳақшинос кўнгиллари ва диёнат асосли табиатига жойлаган. «Ва агарда берган неъматларимга шукр қилсангизлар, албатта (уларни янада) зиёда қилурман»²⁰⁰⁵ ояти каримаси мазмунини қабул қилишдан фармон беришлик ҳашамати шукронаси учун ўз салтанатининг кўп вақтини куфра мамлакатларини фатҳ этмоқ, ҳақ йўлидан йироқ иқлимлар мамлакатларини эгалламоққа сарфлашни ўзига лозим билганлари сабабли ҳақиқатдан ҳам бу хайрият анжом юмушнинг амалга ошиш ва бу ишнинг адо этилиши гардун ҳашамли мулукдан саналмиш араб ва ажам султонлари, хусусан, ғайрат вужудли теурий авлод туфайли юзага чиқиб, жаҳон олишлик хилъатининг қудрат тикувчиси кишвар очувчилик либосини аларнинг истиқомат қоматига тўғирлаб, сиймоларини давлат арбоблари мурожаатгоҳи ва мансабу шавкат асҳобларининг юзланадиган ери қилган. Шу жиҳатдан мазкур сулола вакиллари бу қиёмат кўптирувчи ғавғоли дунё ва даҳр майдонида охири замон кунини юзага чиқарган кофирларни ўлдириш, нобакор бидъат пешалар муҳорибасида устунликка эришиб, бирор куфр шаҳри аҳолисини қатлга ва бирор мулк молини тарожга етказиб, ислом ривожи учун тиришганлар. Салтанат тожу тахти зийнати тақозоси ва мамлакат интизоми талаби, адолат ва шуқуҳ юзага чиқиши бўйича жаҳондорлик ноқорасини чалиш, юрт олувчи лашкар сафини тузиш, майдондорлик журъати бобидан бу жаҳонгир хусравлардан, беназир уламо ва соҳиби тадбир вазирлардан, хайрихоҳ амирлардан, шижот паноҳ довьораклардан ва пухта ишли айёрпешалардан ва зафар аломатли навқариядан зухурга етишиб, шундай ғаройиб ишлар ва ажойиб воқеалар рўй берганки, улардан баъзиси душманлар рашки сабабчиси бўлиб, айримлари дўстлар учун ибратга лойиқ тушган. Кўплаб бошқа олий мақомли шоҳларнинг мулоҳиза ойнасида ҳам бу маъни сурат топганки, улар куёш сўзининг равшан матлаъси тонг ойдинлигида ва шомнинг қоронғи туби мақтаъси тун қораламасида рақам қилинган бўлиб, булар қораламасининг таркиб мухаммаси ва унсурлар рубоийсининг вужуд сафҳасида боқий турар экан, ҳар иккаласи иншосида бирор ахбордан уларнинг васфи нисбати //251^а юзага чиқади ва ҳикмат қазияси ҳукмича, ул ғаройиб бирор вожибдан зухурга етишиб, мақолада ойдин тил воситасида ёритилади. Хусравлик марҳамати офтоби суханварлик гулзорига тарбият партавини ташласа ҳар бир номдорнинг атрофида тоза маънолар бўстони тароват топиб, ҳикоятлар гулистони баркамол андозасига етади. Дарҳақиқат бу воқеаларни жамланса, у ўтмиш ҳоқонларидан Шаҳрухия султонларининг салтанат китоби ва мақсади ҳосиллик, мамлакат олувчилик дафтариининг сарлавҳаси бўлажак. Ушбу ферузий анжом айёмда олий даражат, хўжаста сифот, салтанат ва мақсади ҳосиллик осмонининг куёши, улуглик ва шаҳриёрлик гулзорининг баҳори ва жаҳон мансабли, улугворлик файзининг хуршиди, иззат ва иқбол ўтиришининг зиё етказувчи чироғи, комронлик қоидаларини ривожлантирувчи, кишвар олувчилик пойдеворининг бинокори, жаҳонбонлик дудмонининг қаймоғи, соҳибқиронлик хонадонининг аълоси ҳазрат олий Маллабекнинг иқбол куёши ана шу битик нурлантирувчиси мақомида тура олажак. «Бу кунларни (яни ғалаба ва мағлубият кунларини) одамлар орасида айлантриб турамыз»²⁰⁰⁶ муқтазосича салтанатнинг баланд асосли саройи давлатмандлик маконининг тожини «Дарҳақиқат сени ер юзида ўринбосар қилдик»²⁰⁰⁷ башоратича осмонга етар боши устига қўйган «ва яна уларни

²⁰⁰² Қуръони карим, 6:165.

²⁰⁰³ Қуръони карим, 4:59.

²⁰⁰⁴ Қуръони карим 9:41.

²⁰⁰⁵ Қуръони карим, 14:7.

²⁰⁰⁶ Қуръони карим, 3:140

²⁰⁰⁷ Қуръони карим, 38:26.

ўша ерда барқарор қилиб»²⁰⁰⁸ деган оят мужиби билан халифалик шаҳри саодати тахтини унинг мартабасини кўтарган. Бу сўз изоҳи ва бу мақол шарҳи шуким, улуғ қудрат бошданок кимни салтанатда мамлакатларни олувчи хусрав ўрнида кўрмоқчи бўлса, бошқаларнинг хонлик муроди иқбол ва саодат майдонида олдинроқ жавлон урганига қарамай, унга мақсуд қўлини умиди рўпарасига қўймаган бўлса, салтанат осмонида қуёш каби порлатса ва ой каби иззату жоҳ фалакида чарақлатса ҳам агар комил ақл воситаси ва тўлқонли кўнгил билан дину давлат душманига қарши курашмаса ва уларни йўқлик сари жўнатмаса, мамлакатини ўз тасарруфи остига олмаса, бу ишлар ижросини маврусий тахт эгаси бўлган бошқа тож талабгорига топширади ва шу орқали бу маврусий мамлакат доирасини кенг ва давлатқоидасини баландроқ қилади.

Чунончи асрнинг айрим зарифлари ва даҳрнинг шоирлари Маллахоннинг салтанат тахтига чиқиши муносабати билан ажойиб қасидалар ва дил яйратар таърихларни назм ипига терган эдилар. Шу жумладан хон мадҳидаги икки қасида ва айрим таърихларни ушбу китобда дарж қилдим. Шояд бирор доно ва оқил назарига қабул тушиб, мутолаа шарафи билан мубайян ва мушарраф бўлса.

//251⁶ Қасида:

Тухфаи боргаҳи қудси худои аълوم,
Мекунад аз дурар ҳамду сипосаш ақлом.
Ҳокими маҳкамаи адл ба мулку малакут,
Қудраташ дода зи таҳқиқи камолаш илҳом.
Носири маърифаташ бурда ба хуршед яқин,
Бандагонро ба ҳидоят зи хато ва зуллом.
Аз насими саҳар макраматаш гул дар хор,
Медиҳад накҳати жонбахши муфарих ба машом.
Зуллжалоле ки шарар аз ҳабли санг барун,
Қарда аз қудрати худ то ки шиносад аном.
Молик ул-мулк ки аз баҳри низоми олам,
Муфтахар аз карамаш гашта салотин уззом.
Ёфт иззу шарафу салтанати хонийро
Маллахон саййиди олий гуҳар аз ҳақ инъом.
Шукри лиллоҳ зи салотини жаҳон шуд мумтоз,
Баски аз адули умр медиҳад адлаш пайғом.
Шоҳиди адл ба базмаш ҳама дам соқий шавад,
Дода аз бодаи тавфиқи адолат дар жом.
Маҳфили файз назираш ҳамаро дар ҳожот,
Медиҳад тоза барот аз кафи кон фаржом.
Ҳомии ҳавзаи ислом, мўайини зуафо,
Носири шаръи наби, соҳиби тожи Самсом.
Дод тожи шараф аз сояи худ адл кунад,
Бар сарсари даҳр султони замон, хони киром.
Ғунчаи гулшани файзи карамаш шукуфта,
Медиҳад тоза равон ҳар ки кунад истишмом.
Комкоре ки зи тоиди азал бар дасташ,
Тавсани аблақи айём жаҳон дод зимом.
Жуд абру карам баҳр, зи дасташ ба шаҳр,
Ба ҳар ду роз карамаш гашта босе хосу авом.
Қурраи босираи мамлакату ақлу зако,
Иззати носияи фитрату иқбол мудом.
Зи чунин хусну сахову карам, адл, шавад,
Жумла хоқони жаҳон Қайсару Фағфур ғулом.
Қомати салтанати мулк зи ғафлат ҳам буд,
Лиллоҳи алҳамд дар ин аҳд босе ёфт қиём.
Чарх аз гирди ҳаримаш баҳр аст, гардад,
Аз мажраи камару теғ занаш шуд Баҳром.
Дафтари давлаташ аз ҳарфи завобит манқуш,
Дода аз нусхайи таҳқиқ Аторуд анжом.
Муштарий соқии жашни тарабаш, баъд аз ин,

²⁰⁰⁸ Қуръони карим, 28:6.

Мерасад нағма зи Ноҳид ба гўши айём.
Баъд аз ин хасм сар аз жайб барун натвон кард,
Теғро кард барун хони замона зи ниём.
Дар ҳимояткадааш гашта ғаззолон эмин,
Мекунад бозий ба дандони палангу зарғом.
Ҳосиди давлати у ҳамчу Банот ун-наъшанд,
Ба парокандагий ҳол чунон беором.
Ҳозирони дари ў бод чу берун ба иттифоқ,
То шавад корғаҳи салтанати ў ба низом.
Эътиборе ба зару сим кужо буди пеш,
Равнақу қадр кунун ёфт зи ин сикка ба ном.
Офтоби фалаки салтанату фатҳу зафар,
Партаве шаашаи ўст жаҳонро шуд ком.
Мешавад чашми адув кўр ба ҳингоми масоф,
Аз далерон бижаҳад сўи адув барқи саҳоб.
Тахти бахташ чи ажаб ҳамсарии чарх кунад,
Баски тоиди азал дода чунин улув мақом.
//252^a Салтанат сар ба фалак гар бирасонад бисазад,
Бо чунин хон замон кай бахт ёфт тамом.
Доим андар бағалаш бод арўси давлат,
Шарбати шодии айшу тарабаш андар ком.
Ёфт хуршеди фалак рутба зи ҳусни ихлос,
Карда ҳар рўз дар талаби хоки дараш истилом.
То бувад гардиши афлок ба моҳу хуршед,
Бод кори ду жаҳон сохта бар тибқи маром.
Бадри иқболи адув кост бувад ҳамчу ҳилол,
Бод чун бадри ҳилол карамаш то модом.
Восилони дари ў бод ба субҳи шодий,
Бадсиголони дараш бод ба ғам андар шом.
Жустам аз соли жулус ба сарираш таърих,
Коми дил доду бигуфто: «ба зафар бод мудом.
Кай тавон мадҳи шаҳаншоҳи мадҳам кардан,
Хомаро гуй хижил бас кун дигар махиром».
[Унинг ҳаққида эллар аро халойиқ тухфа қилишар,
Ҳамду шукр дурларини Худой саройига.
Мулку малаклар устидан адолат маҳкамаси ҳокими,
Қудрат берган, етуклиги таҳқиқидан эса илҳом.
Маърифат ёйгувчилиги куёш каби бандаларга,
Хато ва зулмдан асраш ҳидоятини кўрсатган.
Марҳаматли саҳарининг насими тикандаги гулнинг,
Жон бағишловчи роҳат эпкинини етказар димоққа.
Шавкатли эгам тош бағридан учқун чиқарган,
Гўё одамларга танитмоқ учун шу қудратини.
Мулк молики олам тартиби учун уни ўзининг,
Карамидан буюк султонларнинг фаҳри қилган.
Олий гавҳар зотли саййид Маллахон топди Ҳақдан,
Инъом ўрнида иззат, шараф, хонлик салтанатини.
Аллоҳга шукр, жаҳон султонларидан бўлди аъло,
Адолати кўплиги узоқ умридан бўлсин даракчи.
Базмида адл талабгори доимо соқий бўлсин,
Тутиб адолати тавфиқи бодасини қадаҳ аро.
Файзли йиғини барчанинг ҳожотини чиқарсин,
Тутқазиб барот хатини бахтга кон қўлидан.
Ислон юртлари ҳомийси, заифларга мадад,
Наби шаритини ёйгувчи, Самсом тожи соҳиби.
Берди шараф тожин соямда адолат қилсин деб,

Бу замон султони, иззатли хон бутун олам аро.
Карамининг файз гулшани ғунчаси очилиб,
Бағишлар тоза руху равон ким ҳидласа уни.
Бир мақсади ҳосилким, азал тақдирдан жаҳон,
Айём тавсани отининг жиловин қўлига тутқазган.
Саховат булутли, карам денгизли, қўлидан шаҳр аро,
Ҳар икки карами сиридан воқиф эрур хосу авом.
Кўрар кўзи доимо мамлакатдир, ақлу закоси,
Зоти манглайи иззати-ю иқболи эрур мудом.
Шундай олий хислат, саховат, караму адлидан,
Қул бўлур унга жаҳон хоқонлари Қайсар, Фағфур.
Мулк салтанати қомати ғафлатдан букилган эди,
Худога шукр, бу замонда тўла ўрнидан турди.
Чарх саройи атрофининг посбони бўлур,
Камар боғлаган Баҳром жангчиси бўлди.
Давлати дафтари девон ҳарфлари ила нақшли,
Аторуд китобидек саранжомлик намунаси.
Муштарий қувонч базмининг соқийси, шундан
Сўнг етар Ноҳид нағмаси айём қулоғига.
Энди душман ковакдан бошин чиқара олмас,
Чун қиличин суғурди замон хони қинидан.
Ҳимоятхонасида бўлиб оҳулар хавфдан холи,
Ўйнашар йўлбарсу шерларнинг тиши билан ҳар он.
Давлати ҳасадгўйлари Банот ун-наъш каби,
Тинчини йўқотганлар тарқалиб ҳар сари чунон.
Эшигида ҳозирлар бўлишсин ташқарида иттифоқ ила,
То салтанати ишхонаси топсин тартиб-низом.
Илгари олтину кумушда қайда эрди эътибор,
Унинг номи билан тангалар энди қадру равнаққа ёр.
Салтанат осмони ва фатҳу зафар қуёши,
Нурининг шўъласи жаҳонга бахш этди бахт.
Уруш чоғи душманнинг кўзи кўр бўлур,
Довюраклари отишар ғаним томон яшин чақмоғин.
Бахтининг тахти тенглашар гумбази мину билан,
Азал тақдири бергандир унга бу ажиб мақомни.
Салтанати боши фалакка етса арзийди,
Бундай хонни замон қачон топган экан ахир.
Қўйнида бўлсин давлат келинчаги мудом,
Айш-қувонч шодлиги шаробин нўш айласин.
Фалак қуёши чин ихлос туфайли топди авж,
Ҳар кун эшиги хоки талаби учун бериб ариза.
Айланар экан то фалакда ой ва қуёш,
Икки жаҳон иши ўз маромида сурат топсин.
Душманнинг иқбол ойи кемтик бўлсин ҳилолдек,
Бўлсин бунинг карами тўлин ойдек доимо баркамол.
Эшигига эришганлар шодлик тонгида бўлсин,
Эшигин ғанимлари ғам шоми аро юришсин.
Тахтга чиққан йили таъриhini изладим,
Дил мақсадим бериб, деди: Зафарга ёр бўлсин мудом.
Шаҳоншоҳ мадҳига муносибми ахир бу маддохлик тили,
Уял эй икки тилли қалам, тўхта, юрма бунча энди, бас].

Сайид Малла Баҳодирхон сифати мадҳида яна бир таърих қасидани назм силкига чекди:

Каши саҳбои миной азал дар ҳар замон,
Гул кунад андар зуҳуру жилва то ёбад макон.

Соқии қудрат ба даври базми қудсаш медиҳад,
Жоми май дар файзи фазли бедареғаш ройгон,
Журъае аз қатраи саҳбои лутфаш гар расад,
Ҳар киро ёбад дар ин олам ҳаёти жовидон.
Аз фурӯғи нур рӯйи шоҳиди файз кунад,
Иқтибоси шаашаа нури офтоби осмон.
Аз шуои шўълаи субҳ кароматҳои уст,
Жилвасози даҳр, ду олам аз шабистон ниҳон.
Аз хумистони азал бо ҳар ки дурде гар расад,
Кай кунад ёди зилоли кавсари жўй чунон.
Аз карам ба баъз маҳсусон даргоҳи дараш,
Мениҳад тожи нубувват аз шараф бар фарқашон.
Гоҳ аз ҳукми бадиаш нўшро аз неши заҳр,
Мекунад ин нав булажаб ҳақамият аз ҳукми равон.
Гоҳ фавжеро диҳад файзи вилояти хуш латиф,
Аз наволи хвони эҳсони маолий тавомон.
Гоҳ аз шоҳаншаҳий бахшад гуруҳеро ба авн,
Афсари шоҳи-ю султони-ю хоний дар жаҳон.
Шукриллоҳ, хиттаи Фарғона зейбу зайн ёфт,
Аз жулуси майманати маънуси саййид Маллахон.
Аз нишоти мастии саҳбои адлаш субҳу шом,
Сад жаҳон аз сари хуший пайваста андар шодмон.
Дар ҳимоятгоҳи ҳифзу адли ў чандон ки шуд,
Барраҳоро гург дандони тези золим посбон.
Зи хатти жоми яди байзои лутфаш медиҳад,
Хиттаи Фарғонаро аз макрамат хатти амон.
Аз дойини майхонаи давлат маро кай мерасад,
Бах бо як журъа имдоде намо аз ғам раҳон.
Соқии лутфаш ба даври базми шоҳий ком бахш,
Интизорам бар умеди лутфи хони комрон.
Кай тавон килки хирад мадҳи шаҳаншоҳам кунад,
Карди по аз сар ба журъат, он замон шақ шуд забон.
Аз садои жушаш майхонаи адлаш бубин,
Адл шуд аз жабҳи Нуширвон он дам нишон.
Ҳар ки бўсид аз лаби жоми кафи алтофи ў,
Ёфт чандон лаззате гўё ба тан омад чу жон.
//252^б Аз ҳаёт бодаи жоми фаросатҳои ўст,
Менамояд неку бад чун жом ҳар дам дар аён.
Ҳаст шери бешаи ғайрат ба ҳангоми масоф,
Ҳасм чун рубаҳ гурез давид чун шаҳ дар омон.
Дар таҳаввур беадилу дар шижоат беназир,
Дар адолат бебадал, дар жуд чун баҳри равон.
Онқи ансобаш расад ба амир Темур ў ки буд,
Ҳукми ў бо панж иқлимаш равон соҳибқирон.
Дар жаҳон ин хонадон машҳури Чингизий шуданд,
Нисбаташ маъруф ба Олтун бешук ин дудмон
Расми арбоби сухан мадҳи салотин буда аст,
Ман ҳам акнун мекунам алқоби хони нуктадон.
Жуст арбоби хирад таърих аз соли жулус,
Бар сарири мулки худ саййид Муҳаммадмаллахон.
Зад рақам килки хижил тасвир таърих инчунин:
«Рафт маҳ аз мулк, хуршеди аъло омад дар он»²⁰⁰⁹.
[Азал миносининг шаробин ичганинда ҳар замон,
Гул зухурга келару макон топар гўзаллик ундан.

²⁰⁰⁹ Таърихлар 1275/1858 сонни беради.

Кудрат соқийси муқаддас базми даврида берар,
Дарифсиз фазли файзида май жомини текинга.
Лутфи шароби қатрасидан бир томчи етса кимга,
Топар бу оламда мангу ҳаёт, абадий зиндагоний.
Файз талабгори юзининг нури ёғдусидан иқтибос,
Қилар осмон қуёши ўзининг нури шўъласи учун.
Тонгининг шўъласи нурлари унинг кароматлари,
Бу оламда кўринар, икки олам шабистондан ниҳон.
Азал хумхонасидан кимга май зўтриси етса агар,
Келарми эсига жаннат кавсари ариғининг суви.
Карамдан эшиги даргоҳининг айрим хосларига,
Набилик тожин қўяр шарафдан бошлари устига.
Гоҳида қизик ҳукми билан наштар захрин ичириб,
Қилар ҳукмидан бу каби ажаб бир ҳакамликлар.
Гоҳ бировларга хуш, латиф вилоят файзини берар,
Олий мартабали дастурхонидан неча бир эҳсон.
Гоҳ шаҳаншоҳлигидан айримларга ёрдам қилиб,
Берар жаҳонда шоҳлик, султонлик, хонлик тожини.
Худога шукр, Фарғона ўлкаси зебу зийнат топди,
Саййид Маллахоннинг тахтга чиқиш бахтидан.
Адолати майи мастлиги суруридан эрта-ю кеч,
Юз жаҳон хушлиқдан шодмонлик этар мудом.
Бу хон ҳимоясида омонлик ва адолат топиб камол,
Қўзичоқларга ўткир тишли бўрилар бўлди посбон.
Лутфининг нурафшон қўли қадаҳи лаби ёзувидан,
Берар Фарғона ўлкасига омонлик хатли фармон.
Давлат майхонаси соқийсидан қачон етар менга,
Воҳ, бир қултум билан ёрдам қил, ғамдан қутқар.
Лутфи соқийси шоҳлик ўтиришида мақсадга элтар,
Мақсади ҳосил хон умидига интизорман шу сабаб.
Ахир ққл қалами шаҳаншоҳим мадҳини қила олурми,
Қилса бошдан оёқ яшаш журъатин, шу он қирқилур тили.
Адолати майхонаси кўпириши садосидан, кўргил,
Адолат бўлур Ануширвон пешонасидан нишон.
Ким ўпса лутфи қўли жомининг лабини,
Шундай лаззат топар, гўё танга келмиш жон.
Ҳаёт туфайли унинг фаросат жомининг бодаси лим,
Кўринар яхши-ю ёмон, чун жомдир ойна, ҳар дам аён.
Уруш пайти ғайрат ўрмонининг шери эрур бу хон,
Душман тулки каби қочар, шаҳ бўлса доим омон.
Қаҳрамонликда беназирдир, шижоатда тенгсиз,
Адолатда ўхшаши йўқ, саховатда гўё юрар денгиз.
Насаби етар Амир Темурга, ул амир эрди,
Ҳукми беш иқлимга кетган соҳибқирон.
Жаҳонда бу хонадон Чингизий дея топган ном,
Нисбати машҳурдир Олтун бешик лақаби ила.
Сўз аҳлининг қоидаси султонлар мадҳи бўлмиш,
Мен ҳам энди доно хон мақтовин қилай.
Ақл аҳли излади саййид Муҳаммадмаллахоннинг,
Ўз мулки тахтига чиқиб ўтирган йили таърихин.
Уят тасвири қалам рақам қилди таърихин шундай:
«Кетиб ой юртдан, ўрнига аъло қуёш келди шу он»].

**Аср зурафоси ва даҳр ҳукамосидан бўлмиш жаноб эшон Боқи хўжа Нақшбандий
Худоёрхоннинг юртдан чиқиб кетгач, Маллахоннинг тахтга чиқиши муносабати билан айтган
таърихи:**

Онки дар ин хитта шуд боиси амну амон,
Аз хатари ду жаҳон дор худоё амон.
Буд жулусаш ҳамон ақли тааммул баён,
Гуфт ба таърихи он «Салтанати Маллахон».
[Ўлкада тинчлик, хавфсизлик боиси бўлди хон,
Эй Худой, икки жаҳон аро сақла уни омон.
Тахтга чиққач ўйланувчи ақл қилиб баён,
Таърихин деди: «Маллахон салтанати» бу замон.

Жума куни бир минг икки юз етмиш бешинчи йил олтинчи рабиъ ус-соний Ақрабнинг йигирмасида От йили²⁰¹⁰ бу ҳазрат хоқонийнинг ойдин пешонасида отадан-ота шоҳлик ва бошқа ҳукмдорлик белгилари билиниб тургани учун бу маъни юзага чиқиб, давлат ҳудудлари ҳисобланган Хўқанд, Тошқанд, Марғинон, Андижон, Намангон атрофидаги ва бошқа қалъаларнинг аҳолисига бу ҳақдаги хабар етиб, хосу авом бу бахтнинг гувоҳи бўлдилар. Олий табор хоқонлар ва комкор султонлар, соҳиби назар амирлар ва мамлакат ишлари тугунларини ечувчи вазирлар Искандар нишон хоқоннинг хонлигига иттифоқ бўлганлар мазкур санада хонлик расми хизматларига тайинланиб, Хўқанд мамлакати ишларининг назму тартибига киришдилар. Ва мамлакатнинг минбар ва масжидларидаги хутбалар Маллахоннинг атоқли оти ва ва иззатли исми билан зебу зийнат топди.

Назм:

Чу Искандар он хусрави покдин,
Бизад хийма дар сахни чархи барин.
Манобир бо алқоби соҳибқирон,
Сар афрохт чун пояйи осмон.
Жаҳон зийнате боз аз сар гирифт,
Мамолик ҳама зеби дигар гирифт.
Зеҳи он бадр к-зи маҳоли шараф,
Чунин муқбиле монд аз жадд халаф.
Гул аз рухат бандад ба сахни чаман,
Дехад гулбунаш ёд дар анжуман.
[Искандардек ул покдин хусрав,
Чодир тикди осмонга етказиб.
Минбарлар соҳибқирон номи-ла,
Бошин кўтарди осмон асосидек.
Жаҳон янгида зийнат топди,
Барча юртлар қайтадан безанди.
Яшасин ул ойким, шараф юзасидан,
Ота-бобо ўринбосари бўлди мақбул.
Юзингдан гул топар тароват чаманда,
Гулбуни эслатар ул гулни анжуманда].

Жумладан хонлик иши ва жаҳонбонлик юмуши хоқоннинг олтин кўнгли ва узоқни кўрувчи фикрига маълум бўлгач, мазкур йилнинг қолган қисмини Хўқанд шаҳару вилоятидаги халқ мол-мулкининг аҳволи ва кўл остидаги мамлакатнинг бошқа ердаги аҳолиси ҳамда машойих, уламо, фузало, илм аҳли ва олимлар турмушидан хабар олиш билан ўтказиб, //253^a бу улуғ марҳаматдан яқин-йироқ шаҳар, диёр ва бозор аҳлидан ҳеч бирини қуруқ қолдирмади. Айниқса бенаволар ҳаққида кўп яхшиликлар қилди ва ҳеч ким унинг эҳсони даргоҳидан маҳрум ва ноумид қолмади. Ҳар ким ўз эҳтиёжига яраша файзга эришди.

Бу шоҳнинг саройидаги шоҳзода ва ул даргоҳ бўсағасини ўпган улуғ ва донишманд кишилар ҳеч бир замонда бу каби марҳаматнинг ўндан бирини ҳам кўрмаган эдилар. **Шеър:**

Зи ҳар тоби ин офтоби баланд,
Ки аз шарқ партав ба мағриб фиканд.
Аз баҳри футуҳаш ҳама солу моҳ,
Зухал дида дар шонаи Жаддий фол.
Бар аҳли жаҳон комрон чун сипеҳр,
Чу хуршид бар оламе карам меҳр.
Чунон хуш ба аҳдаш замону заман,

²⁰¹⁰ 1858 йил 13 ноябрь.

Ки хангоми гул булбул андар чаман.
[Ҳар нури шарқдан ғарбга партав ташлаган,
Бу юксак қуёш баракати учун ой, йил,
Зухал Жаддий буржи елкасида кўрган фол.
Жаҳон аҳли устида бошлиқ осмондек,
Қуёшдек олам аҳлига карам сочгувчи.
Не яхшидир унинг даврида замону замин,
Баҳор фаслида чамандаги шод булбулдек].

Маллахон бу оламга марҳамат қондаси ва иззат қонуни, мамлакат сақлашлик услуби ва шахриёрлик одобиди султонлар қаймоғи ва хоқонлар боши бўлиб келган бир хусрав эди. Довюрликдаги улуғлиги ва шижоатдаги қудрати Рустами дастон ҳақидаги дostonни йўққа чиқарувчи сафларни ёрар бир ботир, мақтовли хоқонлар шарафини улуғлаган қаҳрамонлик китобларини ўзининг шарафли ишлари билан унутилиш чуқурига улоқтирган Искандар сийратлик подшоҳ бўлиб, мулк-давлат ишини адо этиш бобида қай бир тадбирни қалби лавҳига ёзса, тақдир китобига мувофиқ келарди. Давлат душманининг ҳаёт қасри пойдеворини вайрон этиш борасида ўйлаган ҳар бир фикри суратини ҳаёл варақида тасвир қилса, истаганига мос тушарди. Қай бир исёнчи кўршапалакдек бу мангуга уланган рўз афзун давлат қуёши рўпарасида қаршилиқ йўсини билан чиқса, жаҳонни олувчи қиличининг шўъласи тиғи ялтирашидан шу заҳоти йўқлик қаърига чекинарсан, кимки бу соҳиби давлатга бўй эгиш занжиридан бошини чиқарса, иблисдек каби тавқи лаънатни ўз гарданида кўрарди. **Шеър:**

Ончи бар банди олияш набошад, сар нест,
Заҳмати мағфару ори кулаҳ дастор аст.
[Ким унинг олий бандида бўлмаса, боши,
Дубулға заҳмати-ю, салла кулоҳидан йироқ].

Сиёсати даҳшати ақл ва идрокларни ғорат қилиш мартабасида бўлиб, ҳеч бир кимсанинг биров молини талон-торож қилишга юраги дов бермас эди. Адолати овозаси шу даража эдиким, нағма товушидан ўзга ва ғамза навосидан бошқа ҳеч кимнинг одамлар йўлини тўсиб чиқишга ва қароқчилик қилишга журъати қолмаганди. Унинг даврида чаман булбуллари фарёидан ўзгаси оғиздан чиқмас ва маъшукнинг ошиққа ғамзасидан бўлак бедодлик юзага келмасди. Маҳвашлар қошидан бошқа бирон кимсанинг фитна камонини тортишга мажоли бўлмас, гўзаллар киприкларидан ташқари ҳеч кимнинг душманлик ўқини отишга юраги бетламас, субҳи содиқдан ўзга бирон рақиб ёқа йиртиш ишини билмас, қон тўкишда //253б шафақ ишидан бўлак бирон кимсанинг бундай бедодлик қилгани эшитилмасди. «Аллоҳу акбар» товуши қоғдан то қоғгача оламни тутган, инъоми кавкабаси уммон дур-жавоҳири каби жаҳоннинг у чеккасидан бу чеккасигача етган эди.

Шеър:

Он зи Яздон то абад мулки Сулаймон ёфта,
Ҳар чи хоҳад жуз назар аз фазли Яздон ёфта.
[Худодан мангуга Сулаймон мулкани топган одам,
Нима истаса Худо назаридан бошқа жойдан топган эмас].

Бу Хусрав аломатли хусравнинг чиройли хислат ва мукаррам юзи шундай тароватли ва ҳаётбахш эдиким, қаламнинг ширин сўзли тўтиси унинг минг-минг сифатидан озгинасини ёза олса ҳам катта иш қилган бўларди. **Шеър:**

Ҳар чи дар мадҳаш гўянд равост,
Чу зи девони ламязалу субҳон аст.
Рамзе аз лутфаш сад таълиф аст,
Сатре аз васфаш сад девон аст.
Ман чи гўям шарафу мартабати,
Он ки ақл дар моҳияташ ҳайрон аст.
[Мадҳида нима десалар раводир,
Чун ламязал субҳон девонидандир.
Лутфидан бир рамз юз китоб,
Васфидан бир сатр юз девон.
Мен не дей шарафу мартабасин,
Ақл ҳам унинг моҳиятини билмай ҳайрон].

Чунончи халқнинг барча ишлари ва аҳолининг бутун юмушлари яхши кўринишда адо этилгач ва етишган хурсандликдан халқ вужуди қувват топиб, хусравлик иқболининг кучи тақдир манглайида жамол кўрсатгач, бундан илгари ёзганимиз бош-бошдоқлик ҳаракатлари каби асосиз

даъвогарлик истаклари тор-мор бўлди. Даврон ажойиботлар бошлаб, фатҳлар эшикларини ажиб ишлар калити ва ғариб тадбирлар очқичи билан очишга киришиб, бундан илгари мушкуллик кийимини кийган, балки маҳол кўринишидаги зарур талаблар имкон либосини эгнига ташлаб, осонлик билан хон олдида арз қилинадиган бўлди. Бинобарин, жаноб малик хонлик ишларидаги хос асҳоблар ва ишларингизда бир-бирингиз билан маслаҳатлашинг»²⁰¹¹ каримаси мазмунига кўра, лашкар билан маслаҳатга киришиб, Ўратепа ва Жиззах томонга юриш қилиб, ер юзидан ёғий ниятли бузғунчи ва исёнчиларни супуриб ташлаш фикрини ўртага ташлади. Тоқим, амирлар ва лашкар ҳамда мамлакат улуғларидан ҳар бири тугунларни ечувчи ақлига кўра ул борада йўл-йўриқ қадамини ташлаб, қарор учун ўз сўзларини айтгайлар. Осмон нишонли сарой аҳли ва шоҳлик тахтининг тадбир маросими ва ноаниқ сирларни акс эттирувчи идрок қондасида тенгсиз бўлмиш айрим сир билувчи хослар ва ишбилармонлик ҳарамининг маҳрамлари одоб лаби билан хурсандликка тўла палосни ўпиб, ҳақиқатни дегувчи тил билан осмон ўпар тахт ёнида турган кўйи ойдин кўнгилларидаги душман фасодининг тор-мор этилиш зарурлиги ҳақидаги фикрларни хонга арз қилдилар: Ўратепа аҳолиси, Жиззах исёнчилари ва унинг музофотидаги айрим кишилар ҳеч бир сабабсиз шубҳага тушганлар. Дастлаб доимо хонликка зарар ва захмат етказадиган бу сингари ёғий ва исёнчилар йўқ қилинса, ҳар қалай яхши бўлар эди.

//254^a Давлат амирларининг бу фикри мамлакат олувчи хоқонга маъқул тушиб, фармон чиқарди. Шу воқеалар асносида амир Насруллоҳ Бухорий Хўжанд қалъаси устига келиб, аммо урушга юраги бетламай, кўрққанидан орқасига қайтиб кетди. У шу кетишда Нов қалъасини Қаноатшоҳ тожикка бериб кетган эди. Абадий давлат ва устунлик саодати рўй бериб, мазкур йилнинг жумода ал-аввал ойида²⁰¹² Қаноатшоҳ биринчи гал Насруллоҳ подшоҳга итоат қилишдан бош тортиб, қалъани ўшавақтда амири кабир Маллахоннинг сарханглари билан саналган Абдулғаффор юзга топшириб, ўзи қанча шоҳона пешкаш ва хусравона лойиқ тухфалар тайёрлаб, амир Малла Баҳодирхоннинг ҳузурига ошиқди. Анча йўлни босиб ўтгач, олтин куббали хумоюн даргоҳга етишди ва олиб келган лойиқ тухфаларини лойиқни амири кабир назаридан пешкаш сифатида ўтқариб, кўл ўпиш шарафига мушарраф бўлди. Амири кабир ул эркак шернинг келганидан кўп хурсанд ва қувончга етишиб ул ҳаққида инсоннинг ақл доирасига сиғмас даражада кўп неча бир марҳаматлар кўргузди. Ва ҳар кун янгидан-янги меҳрибонлик ва чексиз лутфлар асносида ўз инъом ва эҳсонига сазовор қилди. Шу аҳвол асносида мазкур йилда Худоёрхон Бухоро подшоҳи кўмагига суяниб, укаси Султонмуродбек билан бирга Қоратагинга бориб, Фарм қалъасида сокин турди. Ўша вақтда Марғинон ҳукумати тепасида турган Қаноатшоҳ Лангар мавзесида ўтириб, у ерда бир қалъа курдирмоқда эди. Олий фармон чиқиб, унинг Қоратагин томонга боришига ишора бўлгач, олий фармойишли ҳукмга биноан анча лашкар йиғиб, Қоратегин сари юрди. Ҳойит қалъасига етишгач, уч-тўрт кун уни камал қилди. Музаффархон *тожик* Қаноатшоҳнинг ярим зўрига ҳам бардош бера олмай, сулҳ ва яраш сўзини ўртага солди. Қаноатшоҳ ҳам давлат салоҳияти учун қасам билан аҳду-паймон қилганча жуда бир осон равишда Ҳойит қалъасини фатҳ этди. Музаффархон қалъадан чиқиб, Қаноатшоҳнинг узангисини ўпишга мушарраф бўлди. Қаноатшоҳ қалъанинг қаерида бузилган ери бўлса тузатиб, хушхиром тавсан отининг жиловини Фарм қалъаси сари бурди ва бахтли бир дамда бу қалъанинг устига етиб, камалга киришди. Эртаси куни зарнигор офтоб машриқ уфқидан порлаб чиқиб кўриниш бергач, Худоёрхон лашкари билан қалъадан чиқиб, Қаноатшоҳнинг *тожик* қаршисида турганча ҳимматида бор билак кучининг зўри //254^b етганича ҳаракатлар билан жангга киришди. Жанг пайти қувватининг имкон доирасида нима бўлса қўлдан келганча аямади. Аммо ул виқор тоғини бир қарич ҳам олду ортга сура олмади. Қаноат соҳиби ул жаноб хоннинг ҳамлаларига дош бера олгач, хон қанча ҳаракат қилмасин, ҳеч нарсага эришмади. Ғайрат ва ҳиммат бу шижоат ўрмонининг шери бўлмиш Қаноатшоҳ табиатида жорий бўлгач, ўзини бир диловарлик ҳамласи билан жаноб Худоёрхоннинг лашкари қалбига урди ва шу босқин билан янчиб-эзиб, душманни икки фарсах миқдор наридаги йўл томон чекинтириб борди. Шу зайл фатҳу ғалаба билан барча куҳистон ерини ўз тасарруфи остига олди. Қоратегинни яна Музаффархонга бериб, сиҳату саломат Хўқанди латифга кириб келди.

1276 йилнинг ражаб ул-муражжаб ойида²⁰¹³ Душанбой *понсадни* Саримсоқ қурама баҳодир билан бирга Жиззах устига юбордилар ва ул баҳодирлар ҳар кеча-ю кундуз масофаларни босиб ўтиб, сахарлик вақти Учқудуқ мавзесида етишиб, унинг элоти талаф ва торож қилиб қайтдилар. Жиззах ҳокими бундан хабар топиб, Худоёрхон билан бирга илғор қилиб, Мирзо работда тарафлар бир-

²⁰¹¹ Қуръони карим, 3:159.

²⁰¹² 7 декабрь 1858 йили – 5 январь 1859 йили.

²⁰¹³ 1860 йил 24 январьда бу ой кирган.

бирига етишиб, жангга киришдилар. Томонлар ҳаракатидан сўнг зафар насими Душанбой сари эсди ва жиззахликлар юзни қочиш томон қаратиб, орқага қайтиб кетдилар. Уларнинг кетидан етиб, бир нечани қатлга еткардилар ва етмиш олти кишини асири банди занжир қилиб Хўқандга келтирдилар. Амири кабир улардан тўрт нафарини ўлимга буюриб, қолганларини зиндонга ташлатди.

Ўша санада Абдуфаттоҳ *махдум* Марғинойни Чин хоқонига элчи қилдилар. Амри олийдан сўнг мазкур *махдум*²⁰¹⁴ Ёрканд вилоятига етишди. Ёрканд анболи уни кўп сақлаб, ул тарафга рухсат ижозатини бермади ва ул диловар тоқати тоқ бўлгач, Анбол ҳузурига бориб, рухсатсиз олдига кирди. Ул тотор билан кўп музокара қилиб, ўтказмаслик иши борасида анча қарши фикрларни билдирди. Ниҳоят ул нопок тоторнинг зоти табиатига қаҳру ғазаб йўл топиб, *махдум*ни ёнидаги йигирма етти кишиси билан бирга шаҳидлик даражасига етказди. Аммо шундан сўнг эса ул кофир тоторлар ўз ярамас қилмишидан пушаймон бўлиб, Кал Азаматбой номли одамни яна бир кишиси билан бирга надомат узрхоқлигини эълон қилиш учун жарима арзадошт қилиб, Маллахон ҳузурига юбордилар. Амири кабир ул бадкирдорнинг элчиларини кўрмасдан сиёсат таблиғи билан ул ишни таҳқиқ этиш учун *Махдум* Конибодомийни уларга қўшиб юбордилар. Бу *махдум* соғ-саломат Ёркандга етгач, кофирлар кўрқув хавфидан мазкур *махдум*ни ҳам неча вақт ушлаб туриб, маслаҳатга тушдилар. Маслаҳатлари ахийри бирор ерга етмай, ноилож яна катта ўтинч билан //255^a улар ёнига элчисини қўшиб, тўққизта хитой ёнбуси ва неча хил ва турли-туман қимматбаҳо матолар юборди. Кошғар вилоятига етишгач, Кошғар анболи ҳам уларга ўхшатиб, ҳар жинс қимматбаҳо нарсалардан чексиз тортуқлар қилиб, Кошғар уламоларидан биттасини улар қаторига қўшиб юборди. Йўлларни босиб, тоғу саҳролардан ошиб, Хўқанди латиф яқинига етишдилар. Аъло ҳукм содир бўлиб, келганларни шаҳар қалъаси ташқарисидаги Абдурасул *турк эроний*нинг боғига туширдилар. Бир неча кун боғнинг эшик ва дарвозаларига дўсту бегонани фарқ қилмайдиган одам танимас ясовулларни кўйиб, одамларнинг кириб-чиқиш оёғини кирқдилар. Бир неча вақт жим-житликдан сўнг тотор хонининг фалокат урганлари борасида султонлик сиёсати содири судур бўлиб, салобат кирдорли миррих осорли *ясовуллар* гуруҳини қаҳру ғазаб юзасидан улар олдига буюрдилар. Бирданига бу ясовулларнинг ҳар қайсиниси ўз отига миниб чопишга киришиб, ногоҳоний бало билан ул бахти қаролар бошига келиб, ҳар қайсини неча бир *ясовул* ўртага олиб, югуртирган кўйи бозор ўртасидан айлангириб олиб ўтдилар. Қанча молу мато ва юки бўлса, ҳаммасини олдириб келиб, хон уларнинг ўзини кўрмасдан мол-поли билан Кошғар томонга чиқариб юбордилар. **Байт:**

Бемори ишқбозон ҳаргиз шафо наёбад,
То хусни сандалинро ба дарди сар набандад.

[Ошиқлар касали сира шифо топмайди,
То сандал дарахтини бош оғриғига боғламагунча].

1276 йилнинг рамазон ойи биринчисида жума куни²⁰¹⁵ амри олий чиқарилиб, хон Ўтаббой *қўшбеги қипчоқ*, Хўжанд ҳокими Саййидбек *додхоҳ*²⁰¹⁶ *қирғиз*, Нов ҳокими мулло Қосим *қирғиз*, Овлиқ ҳокими Муҳаммадамин мирзо ҳамда Ирисқули *понсад қипчоқ*, Душабой *понсад қурама* ва бошқаларни уч-тўрт минг лашкар билан бирга Қоратепанинг Айланлик мавзесида шу ернинг қишлоқ ва эл аҳли устига босқин-чопқин этиш учун амр қилди. Хўжанд шаҳридан мазкур ойнинг бошида чиқиб кетдилар ва ўша куну-тун от чоптириб, эртасига субҳи содиқда мазкур қишлоқ устига етдилар ва нима қўлга тушса, босқин-чопқин яғмоси билан озми-кўп қўлга киритган кўйи тўла обрў билан қайтдилар.

Қизик ҳодисалардан: Лашкарнинг бу ўтишидан Ўратепа ҳокими хабардор бўлиб, неча минг одамни улар қайтадиган йўл бошига чиқариб қўйган экан. Бундан хабарсиз келувчилар устига туйқусдан ташланиш мақсадида от солиб, йўлда бир-бирига дуч ва рўпара келдилар. Хоннинг довураклари чор-ночор урушга киришиб, ор-номусни қўлдан бермадилар. Аммо кўшиндаги кўрқоқлар қочиш йўлини тутиб, шу сабабли хон кўшини катта мағлубиятга учради ва катталардан Саййид *додхоҳ*, Ирисқули *понсад* ва чексиз сонли лашкар аҳлидан барчаси асир тушиб, лашкарнинг қолгани шу қочиш билан келиб, ўзларини //255^b Хўжанд қалъаси ичига урдилар. Рамазоннинг учинчи куни бу ваҳшат асар хабар барча жойга ёйилиб тарқалгач, хусусан, ўша кунларда Ўш шаҳрида истиқомат қилаётган амир Маллахон бу хабарнинг кутилмаганда келганидан ўз ўрнидан сакраб туриб, отига минди ва йўлга тушди. Бир тун ва кун оралиғида ўзини Хўқандга етказди. Ўша кун кечаси ўз қурол-асбоби бузуғини тузатиб, эртаси тонгда тўрт *понсад* жаррор одам билан бирга

²⁰¹⁴ Махдум – ходим маъносида. Катта амалдор, пир ва муршидлар ҳузурида муҳим вазифаларни бажарадиган хизматчи. Зодагонларнинг фарзандларини ҳам махдум(зода), махзум(зода) дейишган.

²⁰¹⁵ 1860 йили 23 март.

²⁰¹⁶ Саййидбек додхоҳ – қирғизларнинг кесик ва таит уруғидан. 1859 йили Хўжанд ҳокими бўлган. Алиқули даврида қўшбеги унвонини олиб Исфара ва Усмонида ҳоким бўлган (1863). 1865 йили шарқий Туркистонга кетгани маълум.

Хўжанд томон чиқди ва озгина юзланиш билан йўл босиб, Хўжандга кириб қарор ва ором олди. Бир неча кун шу ерда туриб, қалъа ва лашкар аҳлинининг камчилигини тузатиб, фатҳу перуз билан қайтиб, ўз бахтининг тахти жойлашган Хўқанд шаҳрига келиб кирди.

Маснавий:

Чу давлат атоеист аз кирдигор,
Наояд зи бисёр, на хайле кор.
Зи тадбир давлат наояд ба даст,
Зи тақдир дон дар жаҳон ҳар чи ҳаст.
Худо дар жаҳон ҳар чи тақдир кард,
Ба тадбир натавонаш тағйир кард.
[Давлат худодан келган бир тухфадир,
У тадбир билан қўлга кирмас,
Тақдирдан бил жаҳонда неки бор.
Худо жаҳонда нени тақдир қилса,
Тадбир билан уни ўзгартиб бўлмас].

**Амир Малла Баҳодирхоннинг Тошканд томонга боргани ва Тошканд ҳокими
Рустамбекни Бишкек қалъаси устига ўрус билан урушиш учун юборгани зикри**

Ҳайрат манзаралари нозирларига шундай тақрир билан таҳрир баёнига келтирладик, Ўрус кофирлари Шамай ва бошқа вилоятлардан келиб, Олмата манзилларини фатҳ қилдилар ва Искандар тўғонидек мустаҳкам бир қалъа қуриб, ўша ерда ўтроқ ҳолда турғун қолдилар. Ва ҳар замонда бу пойгоҳни кенгайтириш мақсадида бирор жойгоҳни холи топса, келиб унинг қалъа ва музофотига зарар етказиб кетардилар. Ул золимларнинг хабари Тошканд ва Хўқанд мусулмонларининг шариф қулоғига етиб, аммо орадан анча вақт ўтди. Бора-бора бу янглиғ босқинчи душманнинг ҳаддан зиёд зулми зараридан мусулмонлар дили кўп оғриниб, тоқатларини йўқота бошладилар. Амир Маллахоннинг завоқ кўрмас давлат ва иқбол салтанати суянчиғига ўтириши бериб, ота-боболари ўрнига ўринбосар бўлгач, кофирларнинг адабини бериб, танбеҳ қилиш мақсадида 1277 йили муҳаррам ойида²⁰¹⁷ ўзи шахсан Тошканд томонга йўналди. Яхши бир соатда йўлларни босиб ўтиб, Тошканд доруссалтанасига келиб тушди. Дам олиб, ҳордиқ чиқаргач, маслаҳатга биноан Рустамбек²⁰¹⁸ ибн Қазоқбой оқсоқолни Нормухаммад *қўшибеги қипчоқ* билан бирга Тошканд ва Қурама лашкари ҳамда Хўқанд лашкаридан ҳам бир нечани ҳамроҳ қилиб, ул томонга юборишга қарор қилинди. Лашкар аҳли амири кабир хузуридан баракатли фотиҳа олиб, юзини қон ичувчи дашту биёбон ва узундан узоқ йўли тиканга қон чўл сари қаратган кўйи чорасоз яратганга таваккал қилиб, ҳарбий сафар сари жўнаб кетдилар. Чўл ва сахрони босиб ўтгандан сўнг Бишкек қалъасига етиб тушдилар. Икки-уч кун осойиш ва фароғат ҳосил қилдилар //256^a ва отларга ҳам дам бердилар. Сўнг юзни кофирлар манзилига қаратиб, ҳеч иккиланмасдан кофирларга дуч ва рўпара бўлиб, жангга киришдилар. Икки ўртадаги қаттиқ тўқнашувдан сўнг фатҳу нусрат мусулмонларга ёр бўлиб, кофирлар ғалаба нашидасидан маҳрум бўлдилар. **Байт:**

Душман чу ба даст оядат аз пой дар овар,
То боз ба дандон нагази дасти надомат.
[Душман қўлингга тушса, ишини бирёқлик қил,
Сўнг афсус-надомат бармоғин тишламаслик учун].

Мусулмонлар бу жангда бир нечта ўрусни асир олиб, тўла обрў билан қайтиб, амир Малла Баҳодирхоннинг хузурига етишдилар ва бўлиб-ўтган барча воқеани қутлуғ қулоққа етказиб, қўлга тушган асирларни султонлиик назаридан ўтказдилар. Амири кабир лашкардагиларни ўз даражасига кўра ҳар бирига инъому эҳсон бериб, салтанат оти жиловини Хўқанди латиф сари бурди ва иззат ёр бўлиб, салтанат манзилгоҳига келиб тушди. Лашкар аҳли ҳали ўз жойида ором ва қарор олиб, нафас ростлашга улгурмасдан яна ул шижоат аломатли ғозийлар орқасидан «сизлар қайтиб кетгандан сўнг кофирлар келиб, Тўқмоқ ва Бишкек қалъасини қўлга киритиб, вайрон қилиб кетдилар» деган ваҳшат асарли хабар келди. Шижоат асарли Амир Малла Баҳодирхон бу кудурат аломатли хабарни эшитган заҳоти ҳиммат ва довюракликни бир ерга жамлаб, яна бир марта Тошканд ва *Қурама* ҳокими,

²⁰¹⁷ 1860 йил 20 июль-8 август.

²⁰¹⁸ Рустамбек додхоҳ Қозоқбой ўғли – Туркистон (1858-1859), Тошкент (1859-1860, тўққиз ой), Туркистон (1861) ҳокими. 1862 йили дастурхончи бўлган.

Хўқандан эса Қаноатшоҳ *отолиқ*ни беш *понсад* одам билан ва Андижондан Олимбек *додхоҳ*²⁰¹⁹ ва бошқа вилоятлардан бир *понсад*, икки *понсад* одам тайин қилиб, тоғ-тоғ жаррор муборизлар, анбуҳ-анбуҳ номдор аскарларни кофир устига босиб бориш учун тайинлаб, ҳар бирини барча лашкар аҳли ҳазрат Авлиё Отода бир-бирига қўшилиб йиғилиш шарти билан ўз йўлига тўғри келувчи томондан юборди. **Назм:**

Ба жунбиш дар омад сипаҳ фавж-фавж,
Чу дарёйи жўшон ба ҳангоми мавж.
Сипоҳи фузун аз қиёс гумон,
Шуд танг аз эшон фазои жаҳон.
Далерони мард афкан, саф шикан,
Ҳама шер савлат, ҳама филтан.
[Қўшин гуруҳ-гуруҳ бўлиб қўзғалди,
Денгиздек тўлқин пайти кўпиргандек.
Саноғи чексиз қўшинга бўлди,
Жаҳон фазоси тор.
Мард йиқувчи, саф ёрувчи ботирлар,
Бари шер савлат, бари фил гавдали].

Лашкар аҳлининг ҳар бири ўз томони билан йўлга тушгач, неча масофани босиб ўтиб ва неча манзилларни ортда қолдириб, ҳазрат Авлиё Отага етишиб, бир-бирига қўшилдилар. Лашкарнинг барча олду орти бир ерга йиғилгач, йўналиш жиловини кофирлар сари буриб, йўлга тушдилар. Манзилма-манзил йўл босиб, шу кўйи Тўқмоқ сарҳадига етдилар. Бузилган қалъаларни тузатгач, Тўқмоқдан Бишкек сари чиқиб кетдилар. Ул сарҳад устига етишгач, яна бир марта Бешкек қалъаси таъмирига киришдилар. Қалъа иморатини тузатиб, маҳкам ва мустаҳкам қилдилар. У ернинг ишончи дилда қарор тутгач, Аштак мавзесига етишиб, отдан тушдилар. Ислом аҳлининг кўнгли юзини мақсади ҳосил билгач, яна кўнгил сўраб, аҳволларини эшитдилар. Ўша аснода тўсатдан бир минг беш юз нафарга яқин ўрус //256^б кўркмасдан қалъадан чиқиб, аниқроғи бир кунлик йўлни жанг илғори қилиб етиб келдилар. Ислом муборизлари ҳам ҳиммат камарини белларига боғлаб, барчаси якдиллик ва бир тиллик билан кофирларни ўртага олиб, жангга киришдиларким, баёнига ҳожат йўқ. **Шеър:**

Бар омад хурошидани карной,
Фигони далерони размозмой.
Ду лашкар ба ҳам андар овард рўй,
Жаҳон шуд пури овози пурхошжўй.
[Карнай товушлари янгради,
Ботирлар фигони кўтарилди.
Икки кўшин юзланди бир-бирига,
Жаҳон дил ўртар товушга тўлди].

Ислом аҳли кофирлар сари ҳиммат қилиб, ён-атрофдан тўпу туфанг ўқларини кофирлар сафи ҳалқасига отардилар ва найза санчар, шамшир урувчи чобуксавор муборизлар тўп-тўп, байрақ-байрақ бўлиб, пурдиллик билан кофир сафига ўзларини уриб, майдондан ё яраланиб, ё ўлиб чиқардилар. Кофирлар ҳам тўпу туфанг ўқларини ислом лашкар сафи томон яёвсиз отардилар. Шу шаклда жанг қизигандан-қизиб, яхши бир вақт-соатда фалак томидаги малакларнинг ҳайратдан қўлини тишлатиб, ниҳоят фатҳ эшиги ислом лашкари юзи сари очилиб, кофирлар олов хирмани ҳалқасидек фаввора урган кўйи кўшиннинг бир тарафини бузганча қочиб қолишди. Ислом лашкари эса фатҳу феруз қайтиб, ўз манзилгоҳига тушди. Ўша кун ва тунни кўнгиллари хавфсирамай ўтказиб, тунни кунга уладилар. Аммо ислом лашкари катталари кўнглига нечукдир катта хавф тушиб, бу ҳолатга путур етди ва Олимбек *додхоҳ қирғиз* ўз лашкарига қарашли кишилар билан Андижон йўлига қараб кетди. Қаноатшоҳ *отолиқ* чексиз лашкар билан ўша ерда тўхтаб турди. Лашкарнинг тўхташи Тирмоҳ бошидан қишнинг Дай ойидаги совуқ вақтигача чўзилди. Балки офтоб Далв буржидан Хут буржига ўтгунча ўзининг қишлоқ чодирини тикиб, Дай кўшини шиддат кўплигидан ва камоли совуқдан жонни яғмо қилиш учун шу даража қор бўрони ва ёмғир тўфонини кўзғатдики, оташдан гулгун кийинганлар таманно ва илтижо йўлини босиб, темир қалъага қочиб беркиндилар. **Назм:**

Лашкари сармо бар омад аз пайи яғмо,
Ва сохт оташ аз девори оҳан аз барои худ ҳисор.

²⁰¹⁹ Олимбек додхоҳ – 1862 йили май ойи ўрталарида ўлдирилган. Ҳасанбий ибн Шохмирзонинг ўғли. Олой қирғизларидан барғи ёки мундуз уруғидан. Қирғизларнинг манқуш уруғидан бўлган Курбонжон додхоҳнинг эри. Маллабекнинг котилларидан бири.

Аз замин гар бар биафтад тухми оташ мушкил аст,
Инчунин ки афсурда шуд аз шиддати сармо тароз.
[Совуқ лашкари яғмо-талон учун келди,
Оташ ўзига темир девордан қалъа қурди.
Ер остидан олов уруғи чиқиши энди қийин,
Чунки совуқдан донг қотган ер пўсти].

Ҳаво совуқлиги қаттиқлигидан қочишга тушган одамлар бирпас исинишга бирор олов топиша олмасдилар. **Байт:**

Аз дами боди хунук лабҳои хубон шуд кабуд,
Оҳ аз ин сарди, ки //257^a ранг аз рўйи оташ мерабуд.
[Совуқ шамолдан гўзаллар лаби гезарди,
Оҳ бу совуқдан ки юздан рангни олди].

Совуқ шамолда бир неча вақт қолган лашкардан минглаб кишининг бадан кучи тамомила ишдан қолиб, кўпчилик қисми ўз танидаги жондан қўл ювиб, ҳаётини елга совурдилар. Кўп кишилар қўл-оёғини бир-бирига ишқаб, бир-бири ёнига келиб-кетиш пайти қадам боса олмасдилар. Сомон ва ўт йўқлигидан кўп от ва туялар ҳалок бўлишди. Катталарнинг бари минг машаққат билан ўзларини пинҳоний паноҳ ва ниҳоний жойгоҳга олиб, омонлик ахтарар эдилар. Хуллас, не меҳнат-азоб бўлса кўриб, кулфат бўлса чекиб, саломат ҳолда етиб, ўз манзилларида қарору ором олдилар. **Байт:**

Бубин ки кавкабаи умр Хизрвор гузашт,
Ту боз монда чу Мусо ба тепаи хавфу рижо.
[Қара, умр кавкабаси Хизрдек ўтди,
Сен Мусодек хавф тепасида қолдинг].

Амири кабир Малла Баҳодирхоннинг Ўратепа томонга лашкар тортгани ва уни қамал қилгани зикри

Дину давлат арбобларининг ва мулку миллат асҳобларининг оламини безовчи кўнгилларига равшану ойдин турурким, яратилиш ва бошланиш эшиги очилишидаги ҳикмат ҳамда юзага келиш ва ясаилиш тугуни очилишидан мақсад инсонийликнинг азизлигимиз «ичига Ўз жонимдан киритганимда»²⁰²⁰ шарафига мушаррафлиги билан сарафроз бўлиб, «оламини сен учун яратдим ва сени ўзим учун яратдим» (сўзи)нинг саройи хилватида маҳрами роз келган. **Байт:**

Биё ки моидаи лутфи Кирдигори жаҳон,
Ту меҳмони-ю олам дар ин миёна туфайли ту.
[Кел, жаҳон Яратувчисининг дастурхони,
Сенга мунтазир, бу олам сен туфайли яралган].

Илоҳий ва моддий оламини яратган ҳазрати таоло турли-туман халқ ичидан ном таратган анбиё ва бу янглиғ азиз расуллардан кейин чексиз буюклик ва эҳтиёжсизлик билан кавкаб ҳашамли султонлар ва гардун азми подшоҳларни ўзининг тенгсиз жамолу жалол сифати намойишгоҳи ўрнида олам интизоми воститаси ва бани одам ишларининг тартиби учун алоқачи қилган. Одамларнинг масолиҳи ҳукмлари ихтиёри ва хосу авом фирқасини уларнинг кифоятли кафти ва иқтидор-шавкат қабзасига қўйган кўйи абнои замоннинг ихтиёр жиловини уларнинг қудрат қўлида тутиб туради. **Назм:**

Сарири хилофат ба эшон сазад,
Ба мулки жаҳон додашон даст барад.
Аз эшон аст ҳам неки ва ҳам бади,
Ситамкори-ю зоди-ю бахириди.
[Подшоҳлик тахти уларга ярашар,
Ки адолати жаҳон мулкига етар.
Улардан ҳам яхши, ҳам ёмонлик,
Ситамкорлик, халқнинг бори].

Бу сиёсат биносининг баланд асос ва пойдеворини турли балолардан ва кўринар-кўринмас офатлардан сақлаш ана шу султонларнинг қўлига берилиб, улардан қай бири мамлакат ва миллат муҳофизатидан, кирим-чиқим ишларидан қўл тортса, тез орада шоҳлик қасри ва подшоҳлик саройи бузилади. Чунончи яхши ҳимоя қилинмаган тобе //2576 кишиларнинг тартиб-назми дарз кетиб,

²⁰²⁰ Қуръони карим, 15:29.

бирданига кураш ва мудофаадан қўл тортиб, бутунлай мағлуб бўлиб, вужуд кишваридан юзини йўқлик водийсига қўядилар. **Назм:**

Ғараз онки, аҳволи пешиниён,
Бидонамки, чун будаанд дар жаҳон.
Чаманро тару тоза оростанд,
Чу шабнам нишастанду бар хостанд.
[Мақсад шуқим, ўтганлар аҳволи,
Менга маълум – улар, улар бу жаҳон,
Чаманин пок ва ораста тутганлар,
Тоза шабнамдек ўтириб, турганлар].

Бу калом воқеасининг баёнидаги мақсадни хушхиром қалам ушбу йўл босиш орқали куйидагича таҳрирга киритадики, Маймун йили 1277 сананинг раби ул-аввал ойида²⁰²¹ амир Насруллоҳ подшоҳ Бухорий табиий ажал охиратнинг уйига ошиқди. Бу хайрият асар хабар барча жойга тарқалди. Нов қалъаси ҳокими ўша пайтда Абдулғаффорбек номли Ўратепа мирлари авлодидан бўлиб, бу воқеадан воқиф ва мутоле бўлгач, вақтни ғанимат билиб, ўзининг юзлар қабиласи билан бирдамлик маслаҳатини бир ерга қўйиб, мазкур санада раби ус-соний ойида чаҳоршанба куни Нов лашкари билан иккиланмай бориб, Ўратепа қалъасига кирди ва шодиёнани ўз номига чалдириб, Муғ қалъаси қамалига машғул бўлди. Ўратепа ҳокими Бозорбой *тўқсоба*²⁰²² Арк ичида қамалда қолиб, тонгдан кечгача ўз ҳоли ҳақида ўйлаб, ташқари чиқишдан бўлак чора топмади. Ноилож таркаши садоқини бўйнига осиб, узрлар айтганча Абдулғаффорбекнинг ҳузурига чиқди. Абдулғаффорбек ҳам унинг сийловини озми-кўп жойига қўйиб, Муғ қалъаси ичкарасига кирдилар. Бу фатҳу зафардан сўнг кетма-кет равишда жаноб амири кабир Саййид Малла Баҳодирхонга ҳам арзадошт хабарлари жўнатилиб турилди. Қувонч аломатли бу хабарлар «барча лаззат янгисидандир» мазмуни бўйича жаноб амири кабир учун янги ютуқлар башоратини бера бошлади. Ким бу хабарни суюнчилаб келса, кўпдан-кўп инъомлар бериб, чексиз меҳрибонликлар кўрсатди ва замонанинг дўсту душмани эшитсин, дея шодиёнани навога киритди. Ва Абдулғаффорбекка ёрдам учун дарҳол ўзининг уч нафар хос *понса*дини уч минг жасур киши билан равона қилди. Жаноб амири кабирнинг ўзи ҳам бир ҳафтадан сўнг улар орқасидан бориши борасидаги ваъдасини иноятнома билан билдириб юборди. **Байт:**

Ба фурсат тавон руйи мақсуд дид,
Бале, мева натвон ба Дай моҳ чид.
[Вақти етганда мақсад юзини кўриш мумкин,
Ҳа, совуқ Дай ойида мева териб бўлмайдиди-да].

Алқисса, амири кабир сарварлик ҳузурига чорлаб, ён-атроф ва ўзига қарашли музофотларга иноятномалар юбориб, кўп сонли ва чексиз ададли қўшин тўплади ва Жиззахни олиш умиди билан яхши бир соатда ул тарафга йўналди. Икки-уч манзилдан сўнг Конибодом мавзесига келиб тушди ва иззат ва буюклик чодирларни тиклашни буюрди. Шу хайрли манзилга Бозорбой *тўқсоба* Ўратепадан етиб келиб, //258^a шу ерда узангини ўпиш шарафига мушарраф бўлди. Тўла иззат ва салтанат билан амири кабир кўч қилиб, аста-секин йўлга тушган кўйи манзилма-манзил юриб, Хўжанд шаҳрига кириб, қўш ташлади. Шу аснода қутли ашраф самъига ул ёмон қоидали, қуйи ўйли кўрнамак Абдулғаффор томонидан нохуш хабар етдиким, бу бек ўз бобо ва аждоди йўсинини ясаб, тўғри йўлдан юз ўгириб, ёмон андишали, адоват мазҳабли оталари қилган балоларни такрорлаб, *понсад* бошиларни ҳийла-ю найранг йўли билан шаҳардан чиқариб, қалъанинг девору дарбандини дўсту душман юзига қарата маҳкам ва мустаҳкам беркитибди. Бу бадсийрат асар хабарни эшитган заҳоти амири кабирнинг димоғидан дуд кўтарилиб, ҳасрат гирдобига чўмди. Аллоҳи таоло инсон зотига ярашувчи юмшоқлик сифатини ўз дўстлари ва танлаганларидан ўзга киши пешонасига ато этмаган. Шу жумладан қудратли хон парвардигорнинг сояси экани учун ул сифатдан қуруқ бўлмай, юмшоқлик ҳиммати ва адолат шижоати, ғайрат саховати давлат билаги зўри ва ҳамияти билан биргаликда тошга ўйилган нақш каби унинг вужудига ҳам нақшланган эди. Бироқ, ҳилм қилмоқ фақат яхши кирдорли кишиларга нисбатан амалга ошиши лозимлиги ҳикмати, яхшилик йўлида юрмаган бадкирдорларга эса бундай юмшоқлик раво кўрилмаслиги буйруғи сабабли хоннинг ғайрат ва ҳамияти қайнаб-тошиб, йўналиш жиловини ул нотўғри кирдорли бек томон буриб, беихтиёр йўлга тушди. **Назм:**

Жаҳони оташи фитна боло гирифт,

²⁰²¹ 1860 йил 17 октябрда бу ой кирган.

²⁰²² Тўқсоба – бир тўқ, туғнинг сардори. Бухорода юқори мартабали амалдор.

Ки ошўб моҳу сурайё гирифт.
Надонам чи гуфт ў к-зи ошўби кин,
Пур аз фитна шуд осмону замин.
[Фитна олови жаҳони юксалди,
Ўти ой ва Сурайё²⁰²³ гача бориб етди.
Билмадим нима деди-ю, адоват оташидан,
Еру кўк фитнага тўлиб кетди].

Яширин қолмасинким, ғайрат туғёнига қарамай юқорида айтганимиздек, хон ҳалим сифатини ул нобакорнинг хайрияти учун насиҳат қоришиқ фасоҳат тилли иноятнома воситасида намоён этиб, ул туз-намак кўр қилгур ҳаромийнинг пир-пешвоси бўлмиш ҳазрат эшон Бобоҳўжа *шайхулислом* Конибодомийни дурга тўла насиҳатлар битилган ва хавфдан чўчимаслиги ваъда қилинган олий иноятнома билан бирга ул шумнинг гуноҳидан бутунлай кечганини билдириш учун юборди. Ул ҳақ йўлидаги шайхи мутлақ хон буйруғига биноан йўлга тушиб, озгина юриш билан ўзини Ўратепага етказди ва Бекнинг ҳузурига кириб, олий иноятномани ул шум табиатнинг қўлига тутқазган амири кабирнинг меҳрибонлигига //258^b кўп умидвор қилиб, чиройли насиҳатларни ул масчойи баччанинг хуш қулоғига талқин қилди. Бироқ буларнинг ҳеч бири ул бузук ниятнинг тош қотган юрагига сира ҳам таъсир қилмади.

Нечоғлик хайрият андешлик ҳаракатини қилиб, ул калтафаҳм ақлсизнинг том битган қулоғига нидо қилмасинлар, бузуклик йўлидан чиқмади ва тўғри йўл бўйлаб сира қадам босмади. Ниҳоят шайх ул ёмон сийратли ноинсоф ҳаққида дуои бад қилиб, қайтиб келиб амири кабир билан Куркат мавзесида кўришди ва воқеанинг не саргузашти бўлса, барчасини амир ҳузурида баён қилди. Чунончи, **байт:**

Насиҳат гўш кун жоно ки жон аз дўстар доранд,
Жавонони саодатманд панди пири доноро.
[Эй жон, насиҳат эшит, ки бахтли ёшлар,
Кекса пандини жондан ҳам азиз биладилар].

Аллоҳи таоло аслида ул ёмон тийнатга азалий бадкирдорлик ва абадий юзи қароликни насиб қилган экан, азизлар насиҳатлари фойда қилмади ва кейинчалик не жазо кўрган бўлса, ўзидан бўлди.

Алқисса, ҳазрат шайхулислом билан кечган суҳбатдан сўнг амири кабир ғайрат ва шижоат юзасидан эртаси куни кўч қилиб йўлга тушди ва масофаларни босиб ўтгач, Ўратепа қалъасидан ўтиб, шаҳарнинг жанубий томонидаги тахминан ярим фарсахдан зиёдроқ ерда жойлашган Қалъаи Ҳасми боло қишлоғига давлату иқбол билан келиб тушдилар ва шу туриш асносида қамал қилиш йўсини билан уч ой тўхтаб қолдилар. Қишнинг қоқ ўртасида баҳодир ёшлар кеча-ю кундуз қалъани қамал қилиш билан машғул бўлиб, шаҳар аҳолиси устига қиёмат аломатли тўплардан ўқ отиш ва сурон солиш ҳамлаларини амалга оширар эдилар. Шаҳар аҳли нусрат асар лашкар ғавғоси сабаб кеча-ю кундуз уйқу ва еб-ичмакдан қолиб, ёғаётган қор остида турганча қалъа девори устидан пастга тушмас эдилар. Осмон тахтли Амири кабир бир тепалик устида шоҳликнинг чаҳордарасини ташлаб ва лашкар аҳли ҳам ҳар бири ўз тўпи ва дастаси билан жой ва манзил топиб, фароғат билан кун ўтказдилар. Муҳосира муддати ва қамал айёми узоққа чўзилгач, амир қайтиш пайдан бўлиб турган эда. Аммо шу аснода Иброҳим Хаёл манқит Бухоро подшоҳи амир Музаффарнинг буйруғига биноан ўн саккиз минг лашкар билан бирга келиб, Ўратепага кирди. Амири кабир Маллабек эртасига бундан хабар топиши билан ул мавзедан кўзғалиб, тахминан бир фарсахдан кўпроқ ердаги Итор жар манзилига бориб тушди. У ерда дам олгач, эртаси куни кўчмоқчи бўлиб турган чоғида лашкарнинг каллаварам қаровулларидан //259^a бир нечтаси соҳиби зафар амирга «орқадан чексиз лашкар бостириб келмоқда» деган хабарни етказишди. **Байт:**

Чу тийра шавад бар дорад рўзгор,
Ҳама ғайрати он кунад кас наояд ба кор.
Қазо чун зи гардун фуруҳишт пар,
Ҳама омилон кўр гарданду кар.
[Ҳаёт кечириш қийинлашса,
Барча ғайрат қилгани билан бирор кишидан иш битмайди.
Қазову тақдир осмондан ерга инса,
Ишбилармонлар ҳам кўр, кар бўлиб қолишади].

²⁰²³ Сурайё тизмаси бир-бирига яқин жойлашган олти юлдузлар туркуми (ўзбек тилида Хулкар), форслар уни Парвин деб аташади.

Бу воқеани эшитгач, амири кабир Маллабекнинг ғайрат этагини ушлаш даражаси бири юз, балки ундан ҳам зиёда бўлиб, дарҳол шавкатли амирлар ва салтанат аҳлининг бошлиқлари ва маслаҳати зўр шижоатлиларини олдига чақириш учун одам юбориб, уларга даҳшатли воқеани билдирди. Қасоскор ботирлар, жанг истовчи мардлар кўнглига иккиланиш деган хаёлни яқинлаштирмай дил садоқати билан амири кабирдан рухсат ҳосил қилганча ҳамда Марғинон ва Ёрмазор ҳокими мулло Алиқули *эшик оғоси қирғиз-қипчоқ* зафарли лашкарга бошлиқ бўлиб, бу тенгсиз довюрак ўрта катта йўл орқали мазкур ботирлар қуршовида йўлга тушди. Саркардаларга *понсад*лар гуруҳининг ҳар бири кўмакдошу эмакдош бўлиб, бир-бирининг орқасидан ул чексиз биёбон саҳни ва тоғ оралиғини лашкардан тўлдирганча жўнаб кетдилар. Амири кабир Маллабекнинг ўзи ботир мардлар билан улар кетича юраркан, дурбин билан бу муборизларни кузатиб кетарди. Шижоат паноҳ Мулло Алиқули *эшик оғоси* худога таваккал қилиб, душманни манзур назарига илмай, йўлга тушган вақтда ул зафар паноҳнинг жанг йўли сиёсатидан исёнчи ва душман гуруҳининг хом сут эмган бандалари зотига саросималик ва бесаранжомлик йўл топиб, ўз-ўзидан кўрқувга тушиб ва ўзларининг олдинроқ келишини маслаҳат билмай, бир тепалик устига чиқиб, шу кўйи саф тортдилар. Бу тарафдан эса мазкур *эшик оғоси* журъат қадамини ўз ғайратича ташлаб, белини тўрт юз қирқ тўрт томири ва уч юз олтмиш суяги айланаси билан ҳиммат юзасидан маҳкам ва мустаҳкам боғлаб, ул ҳамиятсиз қавмни ҳеч бир назар писандига илдирмай, ул тепалик тагига етиб, қўш ташлаб турди. Шу аснода душман сафидан бу туғ соҳиби томонга қарата тўрт юз, беш юз бенаво туфанг садоси янграб, аммо қазога ризо лашкар томон отилган шунча ўқдан биттаси ҳам биронта даста-гуруҳга таёқча ҳам зарба етказа олмади. Юздаги холни нишонга олувчи мерганларнинг ўқи шу зайл беҳуда кетди. Душман ўқи тинчигач, лашкарнинг озгина олдинги қисми ва зафар аҳли мерганлари бирданига минг-икки минг нафар туфанг оғзини душманлар синаси сари тўғирлаб, шундай бир азим ўт очиш қилдиларки, қиёмат чолғусининг жарангдор овози каби ўқ сочмалари манқит лашкари ўртасига тушиб, //259^б бир нечалар отдан қулаб, қолганлар юзини қочиш сари қаратганлари шу бўлди-ю, буларнинг ёв қочти, дея келиб ул бадбахтларнинг қалбига урҳо-ур садолари остида ташлангани шу бўлди. **Назм:**

Давонданд бар як дигар борагий,
Салоҳ аз миён рафт якборагий.
Қиёмат дар омад ба ўрдугоҳ,
Бо бурудат дар овехт абри сиёҳ.
Хасак дар роҳии ошти рехтанд.
Ситезакарон дар ҳам овехтанд.
[Бирдан бир-бири устига югурдилар,
Тўғрилиқ ўртдан кетди бирдан.
Ўрдугоҳга қиёмат келиб кирди,
Қора булут совуқ билан осилди.
Яраш йўлига ўт қаладилар,
Урушчилар бир-бирига осилдилар].

Мазкур ҳамла натижасида душманлар зафар аҳли паҳлавонларининг биллак кучи зарбидан то қароргоҳ ва манзилгоҳларигача орқасига қарамай қочдилар. **Байт:**

Аз зарбати ончунон, синоне,
Биғирифта ба хун арғувоне.
[Бу каби зарбдан қиличлар,
Қондан арғувондек қизил бўлди].

Нусрат шиорли сипоҳ аҳли сабот қадамида устивор-пойдорлик билан туриб, қанчаларни уриб ўлдириб борар, душман мурдаларидан кичик тепаликлар ҳосил бўлар ва бу ўлганлар сони одам боласи ақлига сиғмас, қўшин аҳли қаҳрамонликлари эса афсонага ўхшарди. Ўратепа қалъасининг хандақи бошида турганлар ва хандаққа тушиб олган Иброҳим хаёл *манқит*, бузуки Абдулғаффорбек кабилар ва улар ёнидаги бошқалар Ўратепа қалъасига кириб беркинишди. Лашкарнинг қолгани эса Бухоро ва Самарқанд йўли томон ура қочиб кетишди. **Байт:**

Гурез ба хангом бар сарир бажой,
Беҳ аз паҳлавонии басар зери пой.
[Ўз вақтида қочиш бир ерда турмай,
Оёқ остида қолувчи мардликдан яхшироқ].

Фарғона лашкари ва баҳодирликда ягона мардлар эсон-омон ва кўни-кўнжи ўлжалар билан тўлган ҳолда музаффар ва мансур қайтишди. Шунингдек, ўлжа ва яғмодан ташқари беш юз-олти юз нафарга яқин Бухоронинг Шермардларини ҳам занжир ва арқонга боғлаганча бу асирлар атрофини

ўраб, тўла давлат ва обрў-иззат билан кўшларига келиб тушдилар. Ўша кечани осойиш фароғатида тонгга улаб, эртасига фатху феруз билан Нов қалъасига келдилар. Сўнг шундай ойдин юзлик ва фатху феруз билан масофа ва манзилларни босиб ўтиб, Хўқанди латифга келиб кирдилар. Бу пайтда Фаранг ва Кобул ва атрофдаги музофотлардан элчилар келиб, бир неча вақт соҳиби замон хоннинг хайрият лузум қадамларига мунтазир ўтирардилар. Уларнинг ҳар бири тенгсиз фарангий тортуқлар, ўқ отар ғалати тўппончалар, узоқни кўрсатар ажойиб дурбинларни хон назаридан ўтказиб, ҳар бири ўз мартабасига кўра сарафрозликка етишгач, қайтишга рухсат сўрадилар. Хон элчиларга ижозат бергач, Дай вақти айёми ўтиб, баҳор мавсуми келди. Энди бир неча сўзни қочганлар ва Бухоро подшоҳи амир Музаффардан эшитинг. Чексиз лашкар енгиллиб, кўрқув ва даҳшат ичида Самарқандда ўз подшоҳи ҳузурига етишгач, не воқеа рўй берган бўлса, бир-бир баён қилдилар. //260^a Подшоҳ бу хабарни эшитган заҳоти тўхтовсиз йўналиш жиловини Бухоро томонга буриб, ўша шаҳар тарафга қараб кетди. Уялганидан нима қилишини билмасди. Текшириш ва маълумот олишлардан сўнг ва анча фикр юритиш мулоҳазаларидан кейин ўз ясовулларини Иброҳим хаёл ва Абдулғаффорбек олдиға юбориб, ҳар иккаласини ҳам қаттиқ жазолаб, бирини Шеробод қалъаси, иккинчисини Чаҳоржўйға чиқариб юборди. **Байт:**

Нек а-р куни ба жойи ту некий кунанд боз,
В-ар бадий куни ба жойи ту аз бад баттар кунанд.
[Яхшилик қилсанг, сенга ҳам яхшилик қилишади,
Ёмонлик қилсанг, ундан ҳам баттар ёмонлик қайтади].

Подшоҳ Ўратепа қалъасини эса Абдулғаффорбекнинг Баротбек исмли қариндошига берди. Баротбек ёмон бир соатларда етиб келиб, Ўратепа ичига киргач ва бир неча кун истироҳат қилгач, мулоҳаза билан теварак-атрофга назар солиб кўрса, барча музофотлар маҳкам ва мустаҳкам ҳолда тақа-тақ бекитилган ва қалъалар атрофи Мир Маллахоннинг сипоҳ ва аскарлари билан тўла бўлиб, ҳеч кимнинг журъат қадамини Ўратепа қалъаси дарвозасидан нарироққа босишга ҳадди сиғмас, мажоли етмас эди. Ким ташқари чиқса, Мирнинг чаққон югурувчи ёш-яланглари пистирмада ётган кўйи дарҳол ушлаб олардилар. Буларни кўриб билган янги ҳоким қараса, барча ишлар пачава. Шуларни ўйлаб, чуқур тафаккур қаърига чўмди. Аммо хаёл денгизиде қанчалик сузмасин, назарига ҳеч бир илож гавҳари чалинмади. Ҳоким шу ўй-фикрлар гирдобиде баҳор мавсумини ҳам қаршилаб, экин-тикин ишлари вақти етишгани важдан баттар ташвишга тушди. У томондан ботир амир Маллабекнинг ҳамла қилиб қолиши мумкинлиги қайғуси, бу томондан эса амир Маллабек Баҳодирнинг тўпу тўпхонаси зарбасидан юраги зада бўлиб, қалъада бекиниб ётган деҳқонлар ва сиқилиб қолган шаҳар аҳлининг норозилик туйғуларидан кўпиши мумкин бўлган исён ташвиши.

Назм:

Раоёйи мискин ба танг андаранд,
Аз тангий ба коми наҳанг, аждаранд.
На кор аст, бекору хун рехтан,
На кишта дерав кардану бехтан.
[Мискин халқ тангликда эрурлар,
Тангликдан аждар оғзида қолишган.
Уруш ва қон тўкмак иш эмас, ахир,
Экиб-тикмай, уруғ сепамай ўриш ҳам йўқ].

Шаҳар ва қишлоқ аҳлининг катталари бу танг аҳвол сабабли исён ва ғавғо нияти билан Баротбек ҳузурига чиқиб, шундай арз қилдилар: - Баҳор вақти етишди, демак амир Малла Баҳодирхоннинг ҳам кўшин тортиб келиши ҳам яқинлашмоқда. Бу хон Абдулғаффорбек даврида бизларни саксон кун, балки ундан ҳам кўпроқ вақт давомида қамал қилиб, неча кунлаб тўпу туфанг ўқлари остига олдиқим, унинг овози ҳозиргача қулоғимиздан кетмаяпти. «Қачон ер ўзининг зилзиласи билан ларзага тушганда»²⁰²⁴ ларзасининг товуши уйимиз деворларини шу даража остин-устин қилдики, бу ўпирилиш ҳалигача давом этиб турибди. Ваҳимаси эса ҳозиргача юракларимизни тарк этмаган. Қаранг, хон тўпларининг ўқи маҳалла ва кўчаларимизга тушиб, мусулмонларнинг уй ва ҳовлиларини вайрон қилган. Шу жумладан, отилган бир тўп ўқи Намозгоҳ майдонига келиб тушиб, шундай бир катта чуқур ҳосил қилдики, эндиликда у «Маллахоннинг даҳ дар даҳ чашмасор ҳовузи» номини олган. Амири кабирнинг маҳобатга тўла салобатидан юрагимизни олдириб қўйганмиз. Агар бу дафъа келса, нима қилишини баён этишнинг ҳожати йўқ, ҳаммаси аён. Оламни хароб ва юртни остин-устун қилиши аниқ. Энди муддаомиз ва каломимиз сабаби шуқим, куйидаги уч ишдан бирини

²⁰²⁴ Қуръони карим, 99:1.

ихтиёр қилишингиз керак. Биринчиси шуким, бизлар экин-тикин иши учун ташқари чиқайлик, Сиз эса бизни муҳофиза қилишни таъминлайсиз Иккинчиси, агар саййид Маллахон //260^б бу томонга келса, унга муносиб жавоб беришнинг уддасидан чиқишни бўйнингизга оласиз. Учинчиси шуким, бу иккисига уқувингиз бўлмаса, унда сулҳ битими сўзини орага солиб, ярашишни ихтиёр қиласиз. Шу уч шартдан қай бирига ақлингиз мазоқи таъм бағишласа, тезроқ шунинг жавоби пайдан бўлинг. Токим, бечоралар ўз тирикчилик ишларидан қолиб, вақтни қўлдан бой бермасинлар.

Баротбек бу гап-сўзларни эшитгач, ақлу хуши бошидан учиб, чуқур ўй ва хайрат денгизига ғарқ бўлди. Нажотсиз бир равишда шу гирдоб қаърига чўкиб, ҳар тарафга қулочкашлаб сузганча бу бепоён денгиздан нажот соҳилига қандай қилиб чиқиш йўлларини ахтарди. Аммо ҳеч қаердан ушлаб чиққудек бир илнж топилмади. Ноилож, жуда кўп ўйлаб кўргач, изадий тақдирга тан бериб, сулҳ масаласида бир тўхтамга келиб, ярашиш сўзини орага солди. Бу қувонч асарли хабардан оқсоқоллар оёқ ўрнига бошлари билан юрган кўйи, олий насабли амир жаноблари томон ошиқдилар ва Хўқандга келиб, арзадоштни юртнинг ягона амири ҳузурида неча юз минг ожизлик ва шикасталик изҳори билан қулларча тақдим қилиб, бўлиб ўтган бари воқеани эса оғзаки тарзда бус-бутун етказдилар. Яхши бахтли Амир бу қувонч бағишловчи хабардан қаттиқ севиниб, чеҳраси гулдек ял-ял очилди ва уларнинг ҳар бирига меҳрибонликка ярашиқ инъомлар бериб, Баротбек борасида ҳам хусравона лутфлар ваъдасини изҳор этиб, қайтариб юборди. Оқсоқоллар шодон ва хуррам ҳолда неча бир йўлларни босиб ўтиб, тезлик қаноти остида юртга етдилар ва Ўратепа қалъаси ичига кириб, Баротбек ҳузурига ошиқдилар ва жаноб амири кабир томонидан не воқеа юз берган бўлса, барини ҳикоя қилиб, хусравоний лутф ва меҳрибонликлар изҳори битилган номани ҳоким қўлига топширган кўйи ул камбахтнинг кўнглини тўқ қилдилар. **Байт:**

Зи ҳангоми ғуруби офтоб андеша кун Нозим,
Чи хоҳи кард агар рўйи замин як сар ба даст ори.
[Офтобнинг ботишидан ибрат ол, ўйлаб кўр, Нозим,
Ер юзини бутунлай қўлга киритганинда ҳам нима қиласан уни?]

Баротбекнинг дили хусравона лутфлардан тинчиб, кўнгли таскин топгач, яна бир ғуломлик арзадоштини неча бир минг ажзу шикасталик билан битиб, олий мақомли хон жанобга ўзининг ишончли одамларидан бирортасини юбориб, шу орқали кўнгил тасаллиси учун омонлик аҳди тузилса, орага йўл топган гина ва кудурат зангини бутунлай ювиб ташланса ва тарафлар от жilовини бирдамлик кўчаси сари бурсалар, деган фикрни айтиб юборди. Бу арзадошт амири кабир ҳузурига етгач, хурсанд ва хушвақт бўлиб, кўп меҳрибонлик билан ўз доруссалтанасининг ишончли катталаридан бири бўлмиш Нормухаммад *қўшбеги қипчоқни* неча бир хил мулукона либос ва тиллокори эгар-жабдукли шоҳона лойиқ отга кўшиб, уни парваришловчи отбоқар навкарлар билан юборди. Нормухаммад *қўшбеги* тез суръат билан куну тунни бир қилиб, ўзини ул манзилга етказди ва олий инъомларни Баротбекнинг назаридан ўтқариб, унинг ризолиги ва кўнгли истаги учун нима зарур бўлса, хон номидан қабул қилиб, дилини буларнинг ҳар биридан яна алоҳида //261^а ҳолда тўқ ва фаровон этди. Бу гап-сўзлар тугагач, ушбу мазмундаги яна бир арзадоштни юксак юлдузли хонга юборди: «Худога шукр хон ҳазратнинг марҳамат ва меҳрибонлиги туфайли омонлик ва тинчликлари соясига эришилиб, зулмоний хатар хавфи адоватга тўла дилдан бутунлай чиқариб ташланди. Энди кутадиган умидимиз шуким, биронта ишончли одамларини алоҳида юборилса ва у киши келиб, бу дирамсиз сотиб олинган ғуломнинг ўринбосари сифатида истиқомат қилса. Бу кекса ғуломнинг эса олий даргоҳга етишиб, ўзининг қора юзи ва оқ соқолини аҳмар шаънли муалло арш остонага сурқаб эзиши лозим».

Амири кабир бу каби дилга ўрнашар сўзларни эшитгач, хурсанд бўлиб пойтахт Хўқанди латифнинг адолат сўровчилари жумласидан саналган Дўшабой²⁰²⁵ *понсад қурамани* жўнатди. Мазкур *понсад* боши тўла суръат билан узоқ йўлни босиб, мақсаду манзилга етишиб, Баротбек ҳузурига кирди ва амири кабирнинг олий иноятномасини Баротбекнинг қўлига тутиб ва ҳар қандай меҳрибончилик сўзлари бўлса, оғзаки равишда унинг қулоғига етказди. Баротбек неча бир марта қуллик изҳори учун ер ўпиб, хоқонлик таъзимини адо этди. Бор сўзлар айтиб бўлингач, сафар асбобларини тайёрлашга машғул бўлиб, неча бир нафис газлама ва от ва яроғдан тўққуз-тўққуз йиғиб, ўз хосларидан икки юз нафари билан бирга Хўқанди латиф сари йўлга тушди. **Байт:**

Бе сайъи дурусту азми комил,
Касро нашавад мурод ҳосил.
[Тўғри ҳаракатсиз, етук азм-қарорсиз
Киши муроди бўлмас сира ҳам ҳосил].

²⁰²⁵ Дўшабой қурама нинг ўғли Муҳаммадjon мирзо Ҳожи (тавал 1841 й.) 1864 йили юзбоши эди.

Баротбекнинг келаётганидан амири кабир воқиф бўлиб, ўзининг давлати устунларидан ишончли кишиларни тўрт фарсах ергача унинг пешвозига чиқарди ва кутиб олувчилар меҳмонни тўла иззат билан амири кабир ҳузурига етказдилар. Сўнг не тортуқлар келтирган бўлса, хон хазратнинг қабул назаидан ўтказдилар. Баротбекнинг ўзи эса бу маҳал хон ҳузурини топмоқ шарарафига эришиб, сарой палосини ўпмоққа мушарраф бўлди. Амири кабир унинг аҳволларини сўради ва дил истаклари изҳорини эшитди ва неча бир меҳрибонлик лутфларини бажо айладиким, ҳеч бир подшоҳ замонида бундай кўп инъомлар ва саноқсиз эҳсонларни ҳеч кимга берган эмаслар. Унинг ёнида келган одамларига ҳам шундай бахшишлар қилиниб, хон бир ҳафта давомида ҳар кун ўзининг хос суҳбатига киритиб, шоҳона зиёфатлар ва мулукона базмлар тартиб //261^б берган кўйи унинг ҳақидаги эҳсон алтофини ҳаддан оширди. **Байт:**

Зи жинси хўрданиҳо ҳар чи хоҳи,
Зи мурғ оварда ҳозир то ба моҳий.
[Емакдан нима истасанг муҳайё,
Товуқдан то балиққача бор].

Аркини давлат вазирлари ҳам ҳар бири ўз уйларига чақириб, унинг табъига мувофиқ ҳолда яхши меҳмондорликлар уюштириб, бу рангин базмларда хушовоз муғаннийлар қатнашиб, гулгун шароблар тортилиб, хуллас барчаси шоҳлик зиёфатига лойиқ йўсинда ўтди. **Байт:**

Чу гулгун гашт аз ҳар рўй соқий,
Намонд аз ҳуши маст он ҳеч боқий.
Муғанний аз нури руҳ парвар,
Ба рақс оварда гардуни мудаввар.
[Соқий юзларни қизартиравергач,
Ҳушёр одам қолмади, барча маст.
Муғанний руҳпарвар нурдан,
Рақсга туширди айланувчи фалакни].

Базм соҳиблари бўлмиш амирларнинг ҳар бири ўз ҳиммат ва кучига яраша ташкил қилган бу ўтиришлардан сўнг муносиб пешкаш ва тортуқлар совға қилишни ҳам жойига қўйдилар. Бу тахлитдаги иззат-ҳурмат то ўн кунгача ул камбахтнинг дилини хуш ва хуррам қилиб, қайтиш рухсатини бериб, олий фармойишга биноан мулкига тўла иззат-икром билан кузатиб қолдилар. Шу гаплар ва воқеалар асносида Шаҳрисабзда эса қуйидаги ишлар бўлиб ўтаётганди ва унинг баёни ушбулардан иборатдир. Бир неча йилдан бери ғариблик ғурбатини ихтиёр этиб, беватан ва ишлари юришмай, ҳар қайси вилоятда овора ва саргардон кезиб юрган Шаҳрисабз мирбаччалари Ҳаким бий кенагас ёрдамида вақтни ғанимат санаган кўйи бухоролик амалдорлар кўлидан ўз оталаридан қолган меросий мулкни тортиб олиб, ўз мамлакати тахтига эга чиқадилар. Бу ваҳшат асар хабар Бухоро подшоҳи қулоғига етишгач, қарор ва оромини йўқотиб, ғаму ғусса денгизига чўмади ва лашкар чақиришга буйруқ бериб, оз фурсатда катта қўшин тўплаб, Шаҳрисабз вилояти томонга йўналиш жилловини буради. Ва озгина юриш билан мақсаду манзил дорулқарорига етишади. Шу жиҳатдан Шаҳрисабз мирбаччалари танг аҳволда қолиб, ажзу ниёз юзасидан амири кабир саййид Малла Баҳодирхон ҳузурига кетма-кет равишда арзадоштларини юборишга киришдилар. «Бизлар Сизнинг саломатлик паноҳингизни азиз билиб, отадан қолган маврусий вилоятга кирган эдик. Агар жаноби хазратим бу бекаслик ҳолатида ёрдам қилиб, марҳаматларини аясалар ва бу бечоралар ҳолига боқиб, бизни қўлламасалар, фано гирдобига ғарқ бўлишимиз аниқ бўлиб, бошқа жойдан сира ҳам нажот умиди юзага чиқмаяжак». **Байт:**

Мо кори хешро ба Худованди корсоз,
Бигзоштем то карами ў чи мекунад.
[Биз ўз ишимизни иш ўнгловчи худога,
Топширдик, қани карами не қиларкан].

Амири кабир ул бечоралар ҳолига қараб, //262^а жавонмардлар шеваси бўлмиш раҳм ва шафқатни ул бечораларни ҳаққида адо этиш учун кутқармоқ ҳимматига азми қарор қилди ва ҳар музофот ва вилоятга фармойишномалар юбориб, қўшинни чақиришга тушди. **Назм:**

Гирои он накунад тўлу арзи ҳафт иқлим,
Ки ман ба нияти тасхири он савор шавам.
Ҳазор олам агар 3-ин бувад кам аст ҳанўз,
Ки ман ба азми тасарруф бадон диёр шавам.
[Етти иқлимнинг эни-бўйи етмас ўлкадир,
Мен ўшани эгаллаш ниятида отланмайман.

Шундай оламдан мингтаси бўлса ҳам, менга камлигидан,
Барисини тасарруф этиш учун ул диёрга бормасман].

Амир саййид Малла Баҳодирхоннинг иккинчи марта Зомин қалъаси устига подшоҳ амир Музаффар Бухорий билан ярашиш учун боргани ва ҳар иккаласининг қайтиб кетгани

Салтанат ор-номуси учун курашувчи кишиларга « У сизларни ерда халифалар қилиб қўйган»²⁰²⁶ каромати бўйича тўла ҳазз-хузур ва етук насибалар берилган. Улар қалбида лутф билан бирга ёмон одамлар ҳаққида ғазаб хислатлари ҳам мужассам бўлиб, Аллоҳи таолонинг қаҳрига учраганларга нисбатан «ва улар Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган»²⁰²⁷ чакмоғини чакнатиб, адоват-кин оташи билан бир бутун оламга ўт қўядилар ёки бирор юртни бузиб ташлайдилар. Агар иноят насими «Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У Зот раҳм қилгувчиларнинг раҳмлироғидир»²⁰²⁸ мавҳабидан эса бошласа, уларнинг барчаси мукаррамлик ва меҳрибонлик шамларини ёқадилар ва мамлакатларни обод қиладилар. Шундай қилиб, мирбаччаларнинг амир Музаффархон ҳақидаги қўрқинчли ҳикоятлари ва у ҳақдаги бўлмағур ёмон сўзлар амири кабирнинг олий қулоғига етишгач, изадий ғазаб чакмоғи ялтирай бошлаб, жаҳонни ёқувчи ғазаб олови ёнишга киришиб, улуғ шавкат билан ҳар диёру вилоятдан чексиз сонли қўшин йиғиб, азим сел каби барча тоғу саҳрони остин-устун қилиб, оз юриш билан Зомин қалъасига келиб тушди ва ул мавзеда истиқомат ва сукунат палосини ёйиб, бир неча кун дам олди. **Назм:**

Касеро ки ори ба зинҳори хеш,
Ниғаҳдор андозаи кори хеш.
Ба мардий ҳимоят аз даъво магир,
Ба мардонагий кори ў дар пазир.
Яке қатра орад аз дарё паноҳ
Зи садри садаф созадаш жойгоҳ.
Ба сад тарбият номдораши кунад,
Балки гавҳари шоҳвораш кунад.
[Биров дилини қўлга киритсанг,
Ўз ишига қараб уни сақла.
Мардлик юзасидан унга миннат қилма,
Мардликча унинг ҳожатин чиқар.
Денгиздан бир томчи агар четда қолса,
Тақдирдан у бир садафга айланиши мумкин,
Садафга ишлов берилса агар,
У балки шоҳона бир гавҳарга айланар].

Ором ва дамдан сўнг сипоҳигарлик услуби бўлмиш босқин-чопқин ва талаш-янчиш ҳаракатига тушди. Ўратепа ҳокими Баротбек, Нов қалъаси ҳокими Ўтаббой *қўшбеги* ва Усманий қалъаси ҳокими Бойниёз *додхоҳ* ҳамда тагин бир неча ҳоким, *понсад*лар ва ўзга кишиларга Самарқанд этаги ва Қароқалпоқ мавзеси ва Шероз даштидан то Саъд Ваққос қалъасигача бориб, ўша ҳудудда юрган подаларни босқин-чопқин қилишни буюрди ва «кўзингизга илинган нарсани талаб, ҳеч ҳайиқмай, қўлингиздан келганча ҳаракат билан тасарруфингизга киритиб, сўнг тезда қайтиб келинглари» мазмунидаги фармон берди. //262^б **Назм:**

Инони азм ба ҳар жонибе ки сар тоби,
Макун ба дасти тараддуд инони худро суст.
Ки кас ба манзили мақсуд раҳ намеёбад,
Магар сайъи тамом, магар ба азми дуруст.
Ҳар онки пойи талаб дар тариқи азм ниҳод,
Ба тахтгоҳи бузургий расад, ба ком нухуст.
[Юриш жиловини қаёндири бурсанг агар,
Тайёргарлик, иш қўлида жиловингни бўшата.
Одам манзил-мақсад сари ҳам йўл топмас,
Агар кўрсатмаса тугал ҳаракат, азму қарор.
Ким талаб оёғини азму қарор йўлига босса,

²⁰²⁶ Қуръони карим, 6:165.

²⁰²⁷ Қуръони карим, 4:93.

²⁰²⁸ Қуръони карим, 12:92.

Улуғлик тахтига етар, ҳам кучар мақсадини].

Олий фармойишга кўра давлат устунлари ва салтанат аъёнлари чексиз қўшин билан тошқинли денгизга ўхшаб, майдон сахнига ёйилиб, тоғу даштни қоплаганча юриб кетдилар. Олий фармойишда кўрсатилган мавзегга етгач, босқин-чопқин йўсини билан ул сахро аҳолисини тарож-яғмога учратиб, жуда кўп от ва чексиз сонли қўй подаларини ўлжа олиб, тўла обрў ва иззат билан қайтдилар. Йўл асносида Пашоғар²⁰²⁹ довони оғзига етишганлари чоғда ул тор даҳанада *манқитнинг* бер нечта бебош авбошлари ва қалби қоронғу кўр мунофиқлардан бир нечтаси Саъд Ваққос қалъасидан чиқиб, даҳана оғзини забт қилиб, маҳкам бекитдилар. Уларнинг мақсади туфанг ўқи билан феруз асарли лашкар муқаддимасини орқага қайтариб юбориш эди. Лашкар аҳлининг шижоатлилари ўз билаклари кучига ишониб, бирданига ул бахти қаролар устига ёпирилиб, таналарини оғир бошларидан енгиллатганча хатарли йўлни хавфсиз жойга айлантирган кўйи у ердан ғалаба билан саломат ўтиб, эсон-омон осмон бахтли амири кабир ҳузурига етишдилар. Аҳли лашкарнинг ғалабаси шарафига шодлик шодиёнасини чалиб, туширган ўлжаларини тақсимлашда адолат томонида туриб, не олиб келган бўлсалар, ҳаммасини фақат ўшал ҳиммат аҳлига бердилар.

Бу ваҳшат аломатли хабар сал ўтмай амир Музаффар подшоҳга етишди ва унинг дил вужудидан оҳ-фиғон тутуни чиқиб, тўхтаб туришни ўзига раво билмай, оташ шўъласи сингари Шаҳрисабздан кўзғалганча отга миниб равона бўлди ва катта тезликда Самарқандга етиб келди. Ўша тунни бедорлик билан ўтказиб, эртасига тонг билан Самарқанддан чиқиб, Қўрғон довонига етиб, тезлик йўналиши жиловини тортди. Шу ҳолат асносида амир Маллахон ўзининг келгани сабаби ва шаҳрисабзлик мирбаччаларга ичи ачишгани ва уларга тегмаслик мавзусини ўз ичига олган бир насихатнома иншо қилиб, эшон Бобоҳўжа шайхулислом Конибодомий орқали бериб юборди. Ҳазрат эшон Оқтепава Самарқанд дарёси оралиғида Бухоро амири билан учрашди. Амир эшонни шу ердан қайтариб, ўзи ҳамроҳлигида Қўрғон довонигача келтириб, ҳазрат эшонга ўзидан ҳам элчи қўшиб, хонга жавоб тарзида ушбуларни айтиб юборди. «Отамизнинг маврусий вилоятига Шаҳрисабз мирбаччаларидан бир нечта авбош келиб, у ерни олиб, бизнинг кўпгина давлатхоҳларимизни ўлдириб, кўпларини асир қилган эканлар. //263^a Ор-номус юзасидан у ерга бориб, ўз қасосимизни ул каллаварамлардан олмоқчи эдик. Сиз биродаримнинг бахтга ёр қадами етгани хабари турган еримизгача келгач, Биз ҳам жанобларининг истиқболига чиқиб, шу ерга келиб тушдик Эртага иншоаллоҳ таоло Жиззах қалъасига етишажакмиз. Сизлар бизнинг келганимиз хабарини амири кабирга етказишларингиз лозим. Шундай денгларким, агар урушиш учун келган бўлсалар, буни ҳам айтсинлар. Агар биз кетмоқчи бўлсак, Зомин устидан юрайлик ва агар жаноблари келадиган бўлсалар, Жиззах устига етишсинлар. Икки тараф жангини қилайлик то муродларни бергувчи ҳазрати таоло кимга мурод берса, ул орзуга етишайлик. Ва агар сулҳ иродалари бўлса, оталаримиз вақтидан шу вақтгача Оқроқ булоқ мавзесидан бу тарафи амири кабирниқидир. Бу тарафи бизники. Рукъа етиши билан қабул қилсалар, қайтиб кетсинлар. Биз ҳам Самарқанд томонга қайтамыз ва яна жаноблари ҳам кетсалар, вассалом». Элчилар Янги қўрғондан чиқиб манзилларни босиб ва бекатларни ортда қолдириб, жаноб амири кабир ҳузурига етишиб, ўзлари билан олиб келган Бухоро амири хатини етказиб ва оғзаки айтиб юборган қандай сўзлари бўлса, хизматларига арз қилдилар. Ўша куни амири кабир не ўй-фикри бўлса, давлат устунлари ва салтанат аъёнлари ўртасига ташлади. Номдор вазирлар ва иқтидорли амирлар чуқур ўйга чўкиб, тарафларнинг ярашишини яхшилик бўлишига йўйиб, тарафларнинг сулҳини ихтиёр қилмоқни маъқул топдилар. **Назм:**

Ситеза макун зи онки боди ситез,
Кунад боғи инсофро барг рез.
Ситеза ба жое расонад сухан,
Ки вайрон кунад хонимони куҳан.
Кунад оқил андар раҳи сулҳ ба сайр,
Ту ин роҳ мерав ки «ас-сулҳ хайр».
[Уруш қилма, чунки уруш шамоли,
Инсоф боғини хазонга йўлиқтиради.
Уруш сўзи бирор ерга етиб борса,
Қадимий мол-мулкни барбод қилади.
Оқил киши сулҳ йўлида юради,
Сен ҳам «сулҳ яхшидир» йўлидан юр].

²⁰²⁹ Пешоғар/Пшоғар – Пешоғар, қалъа – Жиззах ва Ўратепа орасида қурилган Қўкон қалъаси. Ҳозир қишлоқ номи.

Жаноб амири кабир давлатининг устунлари сўзига кириб ва яхши ўйли не маслаҳат бўлса, шунга амал қилиб, чечансўзлик билан ёзилган сулҳнома ва тарафлар ўртасидаги бир-бирига зарар-заҳмат етказмаслик, ҳамиша роҳату тинчлик қоидаларини қаттиқ сақлаш истаклари борасидаги сўзларни қасам ва аҳду паймон билан тасдиқлаб, элчиларни қайтариб юборди. Сўнг амири кабирнинг ўзи ҳам изига қайтди. Секин-аста йўл босиб, Хўжанд вилоятига келиб тушди ва бир неча кун йўл азобини аритиш мақадида истироҳат ўриндиғига ўтириб, осойиш топди.

Мазкур элчилар эса амир Музаффар ҳузурига етиб, амири кабир Маллабек айтган барча сўзларни яхши бир вақтда арз қилиб ва сулҳномани таъкид муҳри билан безаш гапини ҳам баён этдилар. Амир Музаффар подшоҳ бу ишни бажону дил ва иймон қасами таъкиди билан қабул қилиб, элчилар дилини ичдан-тешдан тўқ қилиб, қайтишга рухсат бериб, ўзи ҳам Бухоро томонга қайтиб кетди.

Элчилар Жиззах шаҳридан чиқиб, ўта тезликда жаноб амири кабир ҳузурига етиб, элчилик ишида нима рўй берган бўлса, қабуллик арзига етказдилар. Амири кабир //263⁰ ҳам шу маънига рози бўлиб, илтифотли жавоблар билан элчиларни қайтарди. Жаноб амири кабирнинг ўзи эса Хўжанд вилоятдан Хўқанди латиф шаҳри сари йўналди ва фатҳу феруз билан доруссалтанага кириб бир неча кун осойиш топдилар.

1276 йилнинг муҳаррам ойининг ўн олтиси²⁰³⁰ оқшоми ой тутилиши рўй бериб, ойнинг тамоми сатҳини камраб олди ва уч соатга яқин олам нужуми қоронғу бўлиб, барча кичик-катта зор ва тазарру билан жаноб малики маннон сари юзландилар ва дуо ижобатини қабул нишонига етказгач, ой юзи кам-кам очилиб, зулмат олами равшанликка айланди.

Ўша йили жумод-и-л-аввалнинг ўн биринчиси якшанба²⁰³¹ оқшоми Маллахоннинг укаси Сўфибек ўз табиий ажали билан охират оламига ошиқди.

Ўша йили рабиъ-и-л-аввал ойида²⁰³² амир Малла Баҳодирхон Тошканд вилоятига йўналиб, у ерга давлату истикбол билан бориб тушди. Унинг атроф музофотидаги қирғизия ва қозоқия²⁰³³ элатларидан катта закот олди ва ҳокими Қосимбек ва Муҳаммадамин Мирзолар бўлган Қурама лашкарини Нурото элатлари сари босқин учун буюрдилар. Шижоат аломатили шермардлар кеча-ю кундузни бир қилиб, тўла суръат билан ўшал манзилга етиб, чексиз тохту тоз билан йилқи ва сонсиз кўй ўлжа олиб, тўла обрўмандлик билан қайтдилар. Аммо уларнинг кетидан душманлар етишиб, жангга киришдилар. Натижада бу озгина ғалаба ҳам босқин-чопқин аҳлига кўплик қилиб, Қосимбек ва Муҳаммадамин ўзларининг соғ-омон қолишлари ташвишида бўлиб, фақат ўз ҳаётини ўйлаган кўйи, урушмай орқага қайтиб келдилар. Натижада не мол қўлга киритган олган бўлса, буларга насиб қилмади ва ўз қўллари билан яна уларни соҳибларига топширишдилар.

Бир минг икки юз етмиш еттинчи йили товуқ йилида саййид Малла Баҳодирхоннинг топшириғи билан Тошканд ҳокими Қаноатшоҳ *отолик* Авлиё Ото ва Бешкек томонга бориб, ўша музофотдаги элатлардан кўп закот олиб, ҳамма элатларни ўзига қарам қилиб, тўла иззат билан қайтиб Тошкандга келиб кирди. Бир неча кун осойиш олиб ва ҳар бир соҳадан йиғилган кўп тортук билан ўша вақтда Хўжандда турган амири кабир олдига келиб, хон ҳазратнинг дуосини олди ва не пешкаш, тортуклари бўлса, амири кабир ҳузуридан ўтказди. Амир ҳам унинг борасида чексиз лутф ва туганмас даражада қарам қилиб, қайтариб юборди. Қаноатшоҳ тўла хушвақтлик билан ўз салтанати қароргоҳига етиб, бир неча вақт дам олиб, истироҳат қилди.

Тошканд ҳокими Қаноатшоҳ отоликнинг Жулак мавзесига ўрус кофирларини йўқ қилиш учун лашкар тортгани зикри

Қилни қирқ ёрувчи донолар ва сирли рамзларни билувчи, тугунларни ечувчи оқилларга воқеалар баёни равшан бўлсинким, 1278 йилнинг раби-уссоний ойида²⁰³⁴ ўрус кофирлари Оқ масжид мавзесидан келиб, Жўлакда қалъа қуришди. Уларнинг эровули то Янги қўрғон мавзесигача келиб, у ернинг қалъасини олиб, ул қалъа одамларини //264^a Туркистон томонга ватандан чиқариб юбориб, қалъаси деворларини бузиб ташлаб, қочиб кетдилар. Қаноатшоҳ *отолик* бу даҳшат асарли хабарни эшитгач, тўхтовсиз йўналиш жilовини ул вилоят сари буриб, кўп лашкар билан чиқиб, йўлга тушди. Қанча манзилларни босиб ўтиб, Янги қўрғонга етди ва шу ерга иқомат лангарини ташлади. Ўша вақтда катта бир ҳаракат билан Янги Қўрғон қалъасини қайти тиклашга киришиб, мустаҳам бир

²⁰³⁰ 1859 йил 15 сентябрь.

²⁰³¹ 1859 йил 6 декабрь.

²⁰³² 1859 йил 28 сентябрь-27 октябрь.

²⁰³³ Қозоқия – Дашти қипчоқ, Тошкент атрофи ва Фарғона водийсида кўчманчи ҳаёт кечирган туркий аҳоли.

²⁰³⁴ 1861 йил 6 октябрь-4 ноябрь.

қалъа қуриб, ўзининг одамларидан ишончли баҳодирларни шу ерга қўйиб, Жўлак устига бориб, қозоқ-қипчоқ элатларини босқин-чопқин йўсини билан яғмо ва торожга дучор қилишга қарор қилди. Бу элатларнинг бошлиғи Турсунбой исмли киши эди. Ул пир кўрмаган ҳаромзода Қаноатшоҳ *отолиқ*нинг келаётганидан хабар топиб, дарҳол ўз улусининг катталаридан бир нечтаси билан бирга *отолиқ*нинг олдига пешвозга чиқди ва қанча пешкаши бўлса кўтариб ҳамда сўйиш учун дея қанча бошли қўй подасини олдига солиб ҳайдаб, бир манзил йўлда Қаноатшоҳнинг ҳузурига етишди ва пешкашларини ўтказиб, табиати ва фикри хазинасидаги тошга ўйилган нақшдек нақшланган лаганбардорлик хислатига кўра келтирган қўйларини тақдим қиларкан, арзадошт изҳори баёни билан узрхоҳик қилиб, деди: Бизлар мусулмонмиз, аммо сиз каби мусулмон биродарларимиз жабру зулмидан ўрус кофирларига қўшилгандик. Агар мусулмонлик риоятини жойига келтириб, ислом ҳимоятига ёрдам берсангиз, ҳозир ҳам вақт ғанимат. Чирчиқ мавзесидан ёки бошқа жойдан бир жой тайинлаб, бизларни кофирларнинг ёмон қўлидан қутқариб, ўша ерда қўйсалар бош ва тил билан худога шукрларни бажо келтириб ва сизларнинг суннат аҳлига нисбатан бу хайрли ишингиз баробарида қиёматгача ҳамду сано айтиб яшаймиз.

Сўзнинг бу янглиғ хуш ва ёқимли бошланиши Қаноатшоҳнинг дил мазоқига тотли таъм бағишлаб, жуда хурсандлик билан хотиржам ҳолда шул манзилда қўш ташлади. Аср вақти ўтиб шом намозига яқин айғоқчилар саҳрони синчковлик билан кузатгач «фалон мавзегга икки минг нафар миқдордаги ўрус ва беш минг *қипчоқ-қозоқ* келиб туришибди» деган хабарни келтирдилар. Қаноатшоҳ бу хабарни эшитиб, ул кофирларнинг қаршилиқ кўрсатиш борасидаги гапидан ҳайратга чўмиб, чуқур ўй билан шу ердаги икки юзламачи *қозоқ*ларни асир олиб ва ўққа тутиб, эртаси кунни тонгда орқага қайтди.

Энди Янги қўрғонда илғор расми билан қолган Шодмонхўжа нойиб воқеаларидан эшитинг. У шу қалъада мўъминлар ҳимояси учун садвар тўғони бўлиб, ҳар кун от солиш йўсинида ўзига қарашли лашкар билан бориб, Жўлак қалъасини қамал қилар ва унинг теварак-атрофидан хабар олиб келарди. Ўшандай пайтлар асносида кунлардан бир кун хабар аҳли мухбирлари, яъни айғоқчилар «фалон мавзегга ўрусдан эллик нафар киши битта тўп ва ўн икки арава ғалла билан Жўлак қалъасига келмокда» мазмунидаги сўзларни етказдилар. Бу хабарни эшитган заҳоти бу хизмат мутасаддиси Ботирбек *понсад* бўлиб, ўз ишончли одамларидан //264^б саксон кишини танлаб олиб, ёмон мазҳабли кофирларнинг йўлини тўсиш учун отланиб, кофирлар кабристони оғзига ўхшаш тор ва қоронғи тўқайзори бор манзилдаги мавзегга мазкур кофирларга дуч келишди. Орада жанг бошланди. Ботирбек қараса, кофирларнинг ғалабаси эҳтимоли кучлилик қилиб, ўт билан ўйнашиб бўлмади. Аммо шунга қарамай, кофирларни тор-мор қилиш мақсадида ҳиммат камарини белига маҳкам боғлаб, найза ва ханжарни қўлига олиб, худога таваккал қилиш қарорини ўзига шиор билиб, бирданига тез юрар отини куффор қалби сари йўрттириб, ўзини улар ичига шундай урдиларки, ўликлардан тепаликлар ясалди ва ул кофирлардан ўттиз икки нафари мусулмонлар қўли билан дўзахнинг асфалисофлин даргоҳига ошиқиб, қолганлари эса ўзларини тўқайга урган қўйи бадар кетдилар. Ботирбек яхши фатҳ билан йигирма сигир ва ўн икки арава ғалла ва қанча бош от, қурол-яроқ ва туфангни жанг ўлжаси қилиб, соғ-омон қайтди. Булардан фақат бир нафар яхши бахтли кишигина шаҳидлик даражасига етишиб, уч киши ярадор бўлди.

Туркистон ҳокими Мулло Қосим Чинос ҳокими билан бирга Қароқум мавзесига эл босишга кетиб, аммо мақсадларига ета олмай қайтиб келишди.

Бу гаплар асносида кофирлар сони кўплик қилиб, яна бир бор келиб, Янги қўрғонни вайрон қилиб кетдилар²⁰³⁵. Ва жаноб *отолиқ* яна бир марта ҳиммат камарини ғайрат этагига қўйиб, чексиз лашкар билан Янги қўрғонга етишиб, қалъа деворлари таъмирига киришди.

Амири кабир саййид Малла Баҳодирхон Ўратепа фатҳидан сўнг йўналиш жоловини Хўжанд сари тортиб, музаффар ва мансур келиб тушган эди. Айрим кудурат бахш ҳасадгўйлар эса Қаноатшоҳ борасида Маллахоннинг софлик билан сайқал топган ботинини занг билан ғуборли қилишди. Бу сўзлардан хон юраги ҳадик ва кўрқувга тушиб, дарҳол авзойи ўзгарди ва йўналиш оти жоловини Тошканд томонга буриб, йўлга тушган қўйи кета бошлади. Чобуксавор ёлғончилар ва иқтидорли хабарчилар дамбадам етишиб, Қаноатшоҳнинг хуш қулоғига «ана амир Малла Баҳодирхон Сизга нисбатан гумон ва ёмон ният билан келмокда, тезда кетиб, унинг тадорикини кўриш лозим. Шундай қилмасангиз, иш ёмонлик билан тугайди» деган гапларни етказдилар. Қаноатшоҳ бу қалбни ларзага солувчи хабарни эшитгач, дарҳол ўрнидан туриб, йўлги тушишга қасд қилди ва тез суръат билан икки манзил-уч манзилни бирпасда босиб ўтиб, Тошкандга ошиқди. Тошкандга етгач, подшоҳлик

²⁰³⁵ Янги қўрғон босқинчилар томонидан 23-25 сентябрь 1861 босиб олинди, бузиб ташланган эди.

пешкашига нима муносиб бўлса, ўз амалдорларига буюриб, муҳайё қилдирди ва хоннинг пешвози сари равона бўлди. Емиш қози мавзесида эса амир пешвозига етишди ва узоқдан кўргани заҳоти //265^a ўзини отдан ташлаб ва югуриб бориб, амири кабирнинг узангисини ўпишга мушарраф бўлди. Айбига оид неки гапи бўлса, узрхоҳлик асносида ётиғи билан тушунтирган кўйи хон узангиси остида халлослаб югуриб борарди бечора. Амири кабир унинг узрини қабул қилиб, унинг ҳаққида кўп меҳрибонлик ва сонсиз ғамхўрлик кўрсатиб, ўзи ёнига солганча Тошкандга бирга олиб келди. Қаноатшоҳ ҳар куни шоҳона тортуқларни пешкаш сифатида амир назаридан ўтказди. Амири кабир ҳам ҳар кун вофир инъомлар ва мутақосир лутфлар бағишлаб, Қаноатшоҳнинг дилини ўзидан тўқ қилди. Шу вақт асносида Чаҳордара қалъаси томондан «Худоёрхон Жиззах томондан қазоқия тарафга ўтиб кетди, аммо қайси жойга кетаётганини билмаймиз» қабилидаги хабар келди. Амири кабир бу сўзларни эшитган ҳамоно бу ишга кимни юбориш учун бирор кишини излаб қолганди, дарҳол бу ишнинг мутассадилигини Қаноатшоҳ *отилиқ* ўз зиммасига олиб, жаноб амирдан баракатли фотиҳа ҳосил қилди ва Тошканд лашкари билан ул тарафга юзланди. Эртасига тонг маҳали Сайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Чаҳордара қалъасига бориб тушди. Бир неча кун Худоёрхонни излаш билан машғул бўлди. Ён-атрофга одамлар буюриб, қанча таҳқиқот қилмасин, ҳеч жойдан унинг асароти маълум бўлмади. Қаноатшоҳ қайтиб, бахтли бир онларда Тошканд шаҳрига келиб кириб, амири кабирнинг кўлини ўпишга мушарраф бўлди. Қаноатшоҳ келиб тушгандан сўнг амир Маллахон Хўқанди латиф томонга қайтиб кетди. Хоннинг шаҳардан чиқиши пайти Қаноатшоҳ минг бир ожизлик ва қалби синиқлик билан жаноб амири кабирга тавба-тазарру арз қилиб «нима қилиб бўлса ҳам мендан Тошканд вилоятини олиб, қай бир бу мамлакат давлатига муносиб ва толиб давлатхоҳингиз бўлса, ўшанга берсангиз, бундан буёғига жаноби ҳазратимнинг фироқига тоқатим йўқ, ҳузурингизда бўлай» деган илтимосни билдирди. Амири кабир унинг ҳаққида кўп меҳрибонликлар кўрсатиб, «то мен тирик эканман, Тошканд вилоятини сендан олмасман. Аммо ҳозир тўрт-беш кун дам олиб, шундан сўнг Ём ва Зомин, Ўратепа тарафига бориб, уларнинг лашкари кўриқини назардан ўтказиб, бизнинг ҳузуримизга етишинг лозим» дея буюрди. Қаноатшоҳ олий фармойишга итоат қилиб, амири кабир қайтиб кетгач бир неча кун дам олиб, ҳордиқ чиқарди ва шундан сўнг йўналиш отининг жilовини Ём ва Зомин томонга тўғирлаб, оз фурсатда мақсадманзилга бориб тугшди. Султонлик фармойишига кўра нима қилиш керак бўлса, адо этиб Ём ва Зомин, Ўратепа лашкари кўруқини ўтказиб, тўла иззат билан келиб Хўқанди латифга етишди. Бир неча кун замон шаҳриёри ҳузурда турди ва не султонлик лутфи бўлса эришиб, шодоб ва саршор бўлган кўйи Тошкандга қайтиб кетиш руҳсатини ҳосил қилиб, ўз ҳукумати қароргоҳига қайтди.

//265^b Амир соҳибқиронийнинг ҳазрат субҳоний инояти ва яздонийнинг чексиз алтофи ёрдамида ўрус кофирларининг таъзирини бериш учун қўшин тортгани баёни зикри

Сирлар асроридан воқифларга муаллиф бу муқаддимотни шундай баён таҳририга киритиб, рақам силкига тортадики, ўрус кофирлари одобсизлик юзасидан гўстохлик қадамини Янги кўрғон, Жўлак ва бошқа жойлар устига кўйиб, ул ҳудуднинг сокин фуқаросига зиён-заҳмат етказиб, тинчлигини бузиб кетардилар. Амири кабир саййид Малла Баҳодирхон ҳиммат камарини ул кофирларни тор-мор келтирмак учун боғлаб, кўп лашкар билан Хўқанди латифдан Тошканд томонга йўлга тушиб, тўпу тўпхона ва асаъаса-ю дабдаба ва тўла шуқуҳ билан Хўжанд вилояти йўлидан юриб, яхши бир соатда Хўжанд қалъасига етди ва шу ерга тушиб, бу ерни чодирларини тикиш майдонига айлантирди. Ён-атрофда қанча қалъабегги бўлса, уларга иноятномалар юбориб, ҳар бирини ўзининг хайрли ташрифи ва бахт хислатли қадами етганидан хабардор қилиш асносида ҳар кимнинг ўз вазифасини бажариш бўйича мажбуриятини адо этишга киришиб, Хўжанд қалъасида ҳозир бўлишини айтди. Жаноб подшоҳ давлату шавкати илтифотига нисбатан хизмат расму русуми шундай бўлгани учун ва хизмат қилиш усулини жойига кўйиб, ҳар вилоят ҳокимлари расм бўйича кучлари етган микдорда шоҳликка муносиб совғалар етқариб, ўз ҳолига яраша вофир инъомлар ва меҳрибонликлар кўрдилар. Фақат Ўратепа ҳокими шумният Баротбек юқорида айтганимиз каби чексиз хусравона меҳрибонликлардан мамнун ва сарафроз бўла туриб ҳамда бирор подшоҳ замонида ҳеч бир амир ёки вазир етмаган мартабаларга эришган ҳолда ва хонликнинг девон аҳли муҳосиблари гапига қараганда, олти ой ичида соҳибироннинг илтифотидан ўн саккиз минг тиллони султонлик девонхонасига тўламаслик каби имтиёзига эга бўлганига қарамай, бевафолик усулининг этагидан тутиб, амири кабир ҳузурига келишдан бўйин товлади. Чунки бу каби ёмон феъл ул шум талъатнинг катталаридан мерос сифатида юзага чиққан бўлиб, ул ит сийрат катталарнинг аксар қони бу каби пасткаш касофат феълларидан ариқдек оққан ва бошлари тўпдек бозор ичида думалаган эди. Мурдалари эса дор тагида бир неча кунлаб ётиб, бошлари анча вақт дор устида осиглик қолиб кетган

ва ул ёмон ниятлиларнинг гўштлирини итлар еб битирган эди. Ҳа, бадкирдорларнинг жазоси ана шундай азобу уқубатларга лойиқдир. **Байт:**

Бадий бин ки бадин киштзори зуд завол,
Ба доси даҳр ҳамон бидарави ки мекори.
[Ёмонликни кўр, тез заволга келадиган бу далада,
Даҳр ўроғи билан нимани эксанг шуни ўрасан].

Шундай воқеаларни ўз кўзи билан кўрганига боқмай, кейин ҳам ул қавм кишилари ўзларини бу балолар гирдобига ташлаган эдилар.

//266^a Алқисса, амири кабир бу ҳолдан хабар топгач, мушфиқона дилдорликлар ва оталарча насиҳатларини бажо келтириб, кетма-кет иноятномалар юборди ва ўзининг янгидан-янги марҳаматларидан умидвор қилди. Аммо ул гина-кудурат бошини сийловчи бадфеъл одам эҳтиром қабулидан бўйин товлаб, борганларга кўпол сўзлар айтиб юборди. Қанчалар салоҳ хайрияти учун сайъ ва ҳаракат қилмасинлар, аммо борган сари баттар бўлаверди. Бу барча ҳаракатлар эса йўққа чиқиб, фойда бермай қолди. Одамларнинг интизом ишлари ихтиёри ва бани одам тойифасининг ихтиёр инони қудрат кўли ва куч қабзасида бўлган олам Подшоҳи олам олишлик ва жаҳон сақлашлик фармонини «Сен истаган кишингга мулк ато қилурсан»²⁰³⁶ мазмуни билан биров номига битса, шу одамнинг хуршид кўринишли байроғини «айримларингизни айримларингиздан юқорирак даражаларга кўтариб кўйган»²⁰³⁷ буйруғи билан осмон авжига ва кайвон чўққисига чиқаради. Ҳар ойна мангу саодат қоидалари тамҳидида унинг комронлигига мусоидат қилади ва осмоний тақдир жаҳонбонлик асоси таъкидида унга ёрдам беради. Ул киши подшоҳлик мулки тахтини безашда мадад топиб, илоҳий фазлдан муродига етади.

Шер ҳамлали жаноб султон бу даҳшатли воқеа ва рўй берган ҳодисадан сўнг бўстон нозанинлари хазон бодининг совуқ дамидан барг тўка бошлаган маҳалда ғалабага ёр аскарларни чақириш бошида давлатхоҳлардан айримлари олам аҳли дардига шифоси бўлиш хосиятига эга олий даргоҳ остонасини одоб лаби билан ўпиб, олий арзга шундай сўзларни етказдилар: - Бу бадбахт юзлар жанобнинг олий тахт ризожўйлигини ғанимат билмай, ножавонмардлик ва номуродликни ўзига шиор қилишди. Нусратга ёр аскарларни ён-атрофдан йиғиб, бу ёмон қилиқлилар танбеҳи учун катта одоби таёғини ишлатиш лозим кўринади. Тоқим ҳеч қачон бошқа юзлар ҳам шундай қилмасин.

Бу маслаҳат қоидали воқеа довюрак амирга мақбул бўлиб, иноят фармонини тааллуқот музофотларга ва вилоятларга юбориб, оз фурсатда феруз нишон ва нусратга ёр кўшин теваарак-атрофдан чумоли-ю чигиртка каби қиёс доирасидан ташқари равишда кўп йиғилиб, Хўжанд шаҳрида тўпландилар. //266^b Жаноби салтанат шиор ақлу тадбир аҳлининг машваратига амал қилиб, барчаси бирдамликда ҳаракатга келиб, шижоат одатли нусратга яқин сипоҳнинг бари Ўратепа томонга Аллоҳ душманлари, яъни кофирлардан ҳам баттар кишини йўқ қилиш мақсадида Аллоҳга тавккал қилганча Жамшид мартабали султон ёрдамида зафар паноҳли байроқни осмон авжи ва ой зурвасигача хилпиратдилар ва қиёмат асарлик кўзғалиш ғулғуласи билан суву қуруқлик ва етти мамлакат атрофига зилзила солдилар. **Назм:**

Хўжаста саманди зафар зери рон
Саодат қарин, нусраташ ҳаминон.
Далерони Туронзамин дар рикоб,
Ҳама дил пур аз кина сариру шитоб.
Яко-як баробару фиканда гирех,
Синон дода об, камон карда зех.
[Зафарнинг ярашиқ оти оёғи остида,
Саодатга ёр, зафар жиловдор.
Туронзамин ботирлари узангида,
Диллари кинга тўла, шитобга ғарқ.
Бир-бирига тенг, тугун ташлаган,
Найза санчган, камон ипин тортган].

Шу зайл ундан ортиғини тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги шоҳлик йўсин ва қоидаси билан йўл сари юзланиб, манзилма-манзил давлат оти узангиси ва ҳумоюн соябон остида йўл юриб боришаркан, улар ғалабаси учун ўнгу сўлдан илоҳий кўмак раҳбарлиги етар, султонлик мавкаби туғи мино ранг айвонгача кўтарилган, фатху феруз ояти хонликнинг шул зафар безакли байроқларига

²⁰³⁶ Қуръони карим, 3:22.

²⁰³⁷ Қуръони карим, 6:165.

нақшлаган, осмонга тегувчи чатр моҳчаси хуршиднинг мунаввар пайкарига етган, саодат сиймоли тожининг нур таратувчилиги Жамшид афсаридан ҳам юқори даражада зафар шиорли лашкар байроқлари узра порлар, бу туғларнинг нусрат аломатли ҳалқа-ҳалқа иплари эса хурларнинг турраи анбар сочини эслатар, момоқалдиروق кирдорли сурнайининг садоси «у сур чалинадиган кундир»²⁰³⁸ га ҳамоҳанг эди. **Назм:**

Чу толе буд ў аз бахти фирўз,
Равон чун офтоби оламафрўз.
Хурўш аз кўси руйин бар омад,
Навозиш дар пайи ин дар омад.
Дамома фатхро овоз медод,
Духул дар пўст посух боз медод.
Намудори алам дар сурх рўйи,
Дарахти норгил карда аст гўйи.
Синон жайби фалакро пора мекард,
Алам пайванди онро хора мекард.
Ҳамезад найза сар бар осмонҳо,
Ситора чашм мезад аз синонҳо.
Чунон парчам сар андар парпар кард,
Ки жаъди худ зи оби абр тар кард.
Равон шуд зери чатри осмонсой,
Чу дар зери фалак хуршедро жой.
Зи жўш қалби олам дар тазалзул,
Зи нақши наъл сахро дар тасалсул.
Бо ин тартиб он султони Жамжоҳ,
Ливои размогин афрошт то моҳ.
Ба ҳар манзил алам то моҳ бардошт,
Чу маҳ манзил ба манзил роҳ бар дошт.
[Бахту ғалаба чун унга толе эрди,
Оламни ёритувчи куёшдек юрди.
Рух танли ноқорадан янгради сас,
Шундан сўнг сийлов олди нафас.
Сурнай фатху зафарни чақира кетди,
Ноқора чарм ичра унга жўрлик этди.
Байроқлар кўриниши қизил ранг-ла,
Норгил дарахти бўй чўзгандек эди.
Найзалар фалак ёқасини йиртарди,
Туғ тикишларин тирнаб тиларди.
Найза учарди осмонларга сачраб,
Юлдуз кўз юмарди тегишин пайқаб.
Байроқлар бошини кўтарди чунон,
Сочоқлари булут сувидан ҳўл бўлди.
Осмон ўпар соябон остида юриб кетди,
Худди осмон остида жой тутгандек куёш
Тошқинидан олам дили титрар дир-дир,
Тақалар нақшидан сахро юзида занжир.
Шу тартиб-ла Жамшид мартаба султон,
Уруш қоидали туғни кўтарди ой томон.
Ҳар манзилди тикди ойгача байроғини,
Ойдек ташлади манзилма-манзил оёғини].

Зафарга ёр кўшиннинг ўрнидан кўзғалиш ва манзилларга кўниши «қачон ер ўзининг зилзиласи билан ларзага тушганида» мазмунини эсга соларди. Бурғу ва ноқора садоси «Сур ҳам чалинди. Бу ваъда қилинган кундир»²⁰³⁹ каби фалакнинг обнус ранг тосига урилишидан (хабар берарди]. Анча йўлларни босиб, манзилларни ортда қолдиргач, ҳумоюн мавкаб Ўратепага етиб, Поён лакат мавзесида аззу иқбол чодирини улуғворлик фалаки авжига қадар кўтарди. Шу мақомда яхши номли,

²⁰³⁸ Қуръони карим, 20:102.

²⁰³⁹ Қуръони карим, 50:20.

//267^a хўжаста фаржом хислатли амирлар хон аризга «бу мақомда тўхтаб туриш жойини белгилаб, уруш кўрган жанг талаб баҳодирларни ҳар бурчакдан йиғиб, тўпу тўпхонани Муғ қалъаси томонга юборайлик. Умид борким, сипоҳиларнинг шовқин-сурони кўплигидан тўрт томонга зилзила тушиб, душманларнинг дили титраса ва бир-биридан айро тушиб тарқалиб, кетсалар» қабилидаги фикрни етказдилар.

У тарафдан эса думли юлдузга ўхшаш Баротбек шайтонлар лашкари ва фитна кўзғовчи гуруҳга умид боғлаб, қаршилиқнинг бузуқ хаёли кибр-ҳавоси ичра фатҳу ғалабани кутаркан, ўзининг бир нечта довурак кишилари билан бирга кофир билан хон ўртасида бўлажак урушда хўқанликларнинг нобудлиги ҳақидаги мужда ва кўнгилга хуш ёқувчи хабарни қўлга киритиш мақсадида ва душмани устидан қозонилажак фатҳу зафар орзусини дилга жойлаган кўйи шахсан ўзи эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик тариқига амал қилганча қаровуллик ва чангдовуллик вазифасини бажармоқда эди. Аммо аҳволни бу зайл кўргач, жасур мазҳабли дили бу заҳматдан яраланиб, аламга гирифтор ҳолда ҳайрат ва ташвиш гирдобига тушди. Ақлининг машғаласи куйилик зулматга чўкиб ўчди ва айшининг боғи ҳодиса шамолидан пажмурда бўлиб, фатҳу нусратдан умид узди ва қочиш, чекиниш меҳнатининг режасини тузди. Бу айёр хоннинг келиш воқеасидан сал олдинроқ хабар топиб, эҳтиёт юзасидан фарзандларини молу амволи билан бирга Масчо²⁰⁴⁰ қалъасига равона қилган эди. Ўзи эса от ва қамчи билан замона ўйинларини кузатиб, иш қандай тугар экан ва аъзам худой карамидан не воқеа рўй бераркан, дея фурсат пойлаб турди. Билмасдики, худонинг бир номи одилдир ва кимки инҳироф йўлидан юриб, кўрнамаклик пешасини ўз шиори қилиб олса ва инсоф риояси ва ўз валинеъмати ҳақ-ҳурматини бажо келтирмаса, мулку молдан бенасиб ва давлатининг заволи унга тақдир бўлажак. Ва шу маънида бир неча вақт тут ва ушла билан қалъадорлик ишини адо этди, кўп сайъ-ҳаракатлар қилиб, шулар билан бироз муддат ўтди. Кундан-кунга амири кабир ҳайбатининг шиддати зўрайиб, қалъа аҳли фуқаролари истироҳат ва ором топмай, ҳаммаси бир-бирига иттифок бўлиб, Баротбек ҳузурига чиқиб «ҳозир қиш фасли ва Дай ойи. Мусулмонлар ён-атрофдаги даҳа ва қишлоқлардан келиб, қалъага қамалганлар. Улар учун на ётиб-турадиган бошпана бор, на тўпу туфанга тоб бера оладилар.//267^b Бу вазиятда қуйидаги икки ишдан бирини танлашингизга тўғри келади. Биринчиси шуким, чиқиб амири кабир ҳузурида узрхоҳлик қиласиз. Умиддирким, ижобат нишонига яқин тутиб, гуноҳларингиздан ўтиб, шояд ҳаққингизда хусравона лутфлар кўргузса. Иккинчиси шуким, бизларни таҳлика ва тавишга ташламай, бирон жойни ихтиёр қилиб чиқиб кетингким, шу икки ишингиздан бири бизнинг ҳаққимизда қилган яхшилигингиз бўлади. Аммо агар бу ишлар билан чегараланмай, тўхтаб турсалар, ўзингиздан умид қилманким, бу йиғин қўллари билан бўғзингиздан то этагингизгача ёпишиб, судраб-судраб суҳбат аҳли ва амирлар билан бирга доруломон султоннинг ҳузурига олиб борурмиз. Бу ишни қилсак-да, бизнинг бу фикримиз қиёматгача қолажак ёмонлик номи билан тилга олинмас, бадқилиқли феъл эгалари сифатида эсланмас. Бундан кўнглингиз тинч бўлсин» дедилар. **Байт:**

Мўрчагон гар бикунанд иттифок,
Шери жаёнро бибароранд зи пўст.
[Чумолилар гар иттифок қилишса,
Йиртқич шер терисин шилишар].

Баротбек бу гапларни эшитиб, чуқур ўйга толди ва фикр дарёсига ғарқ бўлди. Аммо хом хаёлли фикри ҳеч бир тадбир бўйича бирор ерга етмади. Ноилож ва чор-ночор неча бир олчоқ ҳасрат билан 1278 йили душанба куни ўн олтинчи жумода ал-аввалида²⁰⁴¹ қалъанинг чандовуллик оғзига чиқиб, озгина кишиси билан юз минг таҳлика ва минг бир таҳқирлик ичида ул исён аломатли гирдобдан соғ-омон чиқиб, Масчо томонга бадар кетди. Ўша кечаси ҳеч ким бу воқеадан хабар топмай, аммо сешанба куни тонгида ул вилоятнинг ёшу қариси-ю, катта-кичиги ул касофатнинг пасткаш ўйли ҳолидан хабардор бўлиб, бошлари ҳайронликдан пуфакдек шишганча барча катта-ю кичик ва пиру жавон йиқилиб-йимрилиб, югурганча шижоат қалбли хон ҳузурига ошиқиб, бу кароматнинг башоратли хушxabар муборакбодлигини етказдилар ва хонни дуо қилдилар. Амири кабир уларнинг ҳаммасига меҳрибонлик қилиб, кўп инъом ва мўл-кўл эҳсонлар бахшида этди ва мазкур йилнинг сешанба куни чоштгоҳ вақтида фатҳу ғалаба билан қалъа ичига кирди ва дарҳол ул нобакорнинг кетидан икки-уч минг миқдордаги нусрат шиор аскарни жўнатди. Довруқли баҳодирлар Масчо тепалиги этагигача бордилар. Аммо ул қочоқ юз хавф ва неча умидсизлик билан думини ҳам кўрсатмай қочиб қолгани сабабли қайтиб келиб, амири кабир хизматиغا етдилар. Амир Маллахон бир

²⁰⁴⁰ Масчо/Масчой/Масчоҳ/Матчоҳ – Зарафшон водийсининг юқори қисмида жойлашган тоғли худуд. Маркази Оббурдон қишлоғи бўлган.

²⁰⁴¹ 1861 йил 20 ноябрь.

неча кун шу ерда истиқомат қилиб, қалъанинг бузилган ерларини саранжомлаб, Ўратепа ҳукуматини Дўшабой *додхо*га берди ва иқболу давлат билан қайтиб, соғ-саломат Хўжанд шахрига етди. Бир неча кун шу ерда осойиш топиб, ҳордиқ чиқарди. Ва шу фурсатда айрим чақимчилар кетма-кет арзалар юбора бошладилар. Амири кабир дилига бир ҳовлиқиш йўл топиб, беихтиёр қалъадан чиққанча, йўлга тушдилар. Бир кеча-кундуздан сўнг //268^a Хўқандга етиб, салтанат тахти ўриндиғида қарор топди. Нима гап-сўз арзадошт қилган бўлсалар, бариси нуқул ёлғон ва бўлмаган гап бўлиб чиқди. Султон Маҳмуд тўрани Косонга чиқариб юбориб, *мирзобоши* ва *охунд* Мирзо *иноқ* ва бир неча шу қабиларни кўздан йироқ солиб, иғвочи гунаҳкор сифатида айбладилар. Ўша вақтда олти эшикли дунёнинг тўрт томони ва Фаранг, Кобул ва Кўлоб, Бухоро, Урганж ва Дарвоз вилоятларидан кетма-кет элчилар амири кабирни табриклаш учун келдилар ва ҳар қайсиниси муносиб пешкашлар ўтқариб, кўп инъомлар билан сарафроз бўлдилар ва хусравона рухсат билан ўз юртларига қайтиб кетдилар.

Жаноб амир эса бир неча кун осойиш ва фароғат топгач, кўнгилига ўзига қарашли музофотларни кезиб чиқиш фикри келиб, Марғинон томонга юрди ва Ёрмозорга келиб тушди. Ул диёр ҳокими мулло Алиқули *эшик оғоси қирғиз-қипчоқ* бўлиб, у қabila аҳли бошлиқларидан бири эди. Хонга шойиста хизматлар кўрсатиб, бир неча кун кўп зиёфатлар ва турли-туман неъматлар бажо келтирди. Ҳар жинсдан хилма-хил тортуқлар ва замон одамлари кўзи кўрмаган пешкашлар ўтқарди. Ўша вақтда олий гавҳарли, шер олувчи шижоат шиор хоннинг табиатида андак савдолик мизожи пайдо бўлган эди ва шу вазҳдан саёҳатни ўзига қарор қилиб, Ёрмазорни томоша қилиш учун Шаҳрихон шахрига борди. У ерда илгариги пайтларда олий саройга хизматкорлик учун келиб қолган Ҳожи Майлибой номли бир баттолни ҳоким қилиб қўйган эдилар. Бу ёмон феъллик, кофир ўйлик, мусулмон кўринишидаги баттол бир неча вақт Шаҳрихонда ҳукмронлик қилиб, кечалари одамларнинг ҳовлиларига кириб, мусулмонларнинг хотин-қизлари сари қўл чўзиб, уларнинг покиза этакларини булғаб, шу зайл бир нечанинг уй-рўзғорини бузиб ва айримларни бева қилиб, фарзандларини етим қолдириб, ул фуқаролар ҳаққида чексиз зулмлар қилганки, ҳеч бир подшоҳ даврида бу тарздаги беҳаёлик ва шармсизлик кори ҳол вужудга келмаган. Бечора фуқаролар чор-ночор бир неча марта олий даргоҳга келиб, бу баттолнинг саройга яқинлиги натижасида арз учун йўл топмай, амири кабирнинг орқасидан юз-икки юз бечора одам то Тошкандгача етиб //268^b арз қилганлар. Шу келишида амири кабир ҳақиқатни билиш учун бир *ясовул* юбориб, текширувчи эса анча сўровлардан сўнг кўп маълумот тўплаб, олий арзга етказдилар. Барча шикоятлар рост ва ўринли бўлиб чиққач, ул бадбахтни Шаҳрихон ҳукуматидан бўшатиб, Шаҳрихон ҳукуматини бошқа бировга бердилар. Сўнг бир неча вақт ўша ерда истиқомат қилиб, шикорга машғул бўлдилар. Далаларни кўриб, йўл-йўлакай атроф манзараларини томоша қила-қила Андижон шахри томон юрдилар. Бу хабарни Олимбий эшитиб, истиқболга чиқди ва хон улуғлар қуршовида Андижонга келиб тушди. Бир неча кун давомида дам олиб, сўнг Марғинонга, у ердан эса Хўқандга келиб, ўз салтанати тахтига ўтирди. Шу орада амири кабирнинг кўнгли Олимбийдан озгина оғриниб, ғойибона тарзда бу Андижон ҳокимидан шикоятлар қилди ва Девона *понсад*ни унинг олдига юборди. Девона *понсад* эса Андижонга етишган заҳоти ҳе йўқ, бе йўқ Ўрда дарвозаси ва хазинанинг эшик-тешигини маҳкам беркитди. Олимбий бу ҳолга чида олмай, хафа бўлганча ўзининг ишончли одамлари билан шаҳардан чиққан кўйи Гулша томонга бадар кетди. Амири кабир бу воқеадан воқиф ва огоҳ бўлгач, жаҳл ва хафачиик юзасидан Девонабий *понсад*ни дарҳол Андижондан чақиртириб олиб, *понсад*лик мансабидан бўшатди ва бир неча вақт хонанишинлик бурчагига ўтқазиб қўйди. Олимбийнинг ишидан ҳам ғазоби ошиб устига бостириб бормоқчи бўлди. Шунга кўра бу иш мутасаддилигига Олимқули *эшик оғоси* ва Хидир²⁰⁴²бий ва Худойназарбий *туркни* тайинлаб, улар эса яхши бир соатда ул тарафга юзландилар ва озгина юриб, мақсадга етдилар ва манзилга бориб тушдилар. Мулойимлик билан Олимбийни жаноб амирдан хотиржам ва умидвор қилиб, хавфланиш ўйидан озод ва хон марҳамати лутфидан кўнглини тўқ қилганча жанг-жадалсиз амири кабир хизматида келтирдилар. Амири кабир унга сира илтифот қилмай, уйда ўтиришни буюрди. **Байт:**

Сипехри тундро ҳаст инчунин кеш,
Намонад роҳату ранж оварад пеш.
[Ғазабли фалакнинг шундай қоидаси бор,
Роҳат бағишламай, ранжни тутар илдам].

Шу воқеалар асносида Худоёрхон ва Абдулғаффорбек юз Бухоро подшоҳининг ёрдамида келиб, бир кечаси Зомин қалъасига сипоҳигарлик усули билан Тароз юлдузидек қалъа деворига

²⁰⁴² Хидир қирғиз додхоҳ (13 май 1862 й. ўлдирилган) – қирғизларнинг ўттиз ўғул жамоасининг бошлиғи. Маллахон қатлида ишитроқ этган. Эшикоғоси, ҳидоячи, парвоначи унвонларни олиб, 1862 йили Марғинонда ҳоким бўлган. Шодмонхўжа ва Алиқули томонидан ўлдирилган.

нарвон қўйиб, қалъа устига чиқдилар. Қалъа аҳли ҳолдан воқиф бўлиб, милтиқ отиш ва найза санчишга киришиб, бир нечани уриб-янчиб ва мажруҳ қилиб, орқага қайтардилар. //269^a Бунинг хабари жаноб Маллахонга етди. Бунинг устига-устак Туркистон тарафдан ўруснинг минг *понсади* бир неча минг қазоқ билан келиб, Янги қўрғон қалъасини фатҳ этиб ва хароб қилиб кетгани хабари ҳам келди. Ғамга ғам қўшилиб, атайлаб қилгандек, бу вақтда қиш ва Дай мавсуми бўлгани учун қору ёмғир ҳам тўхтамасдан ёғишга киришганди. Хон лашкарни чақириб хабарини юбориб, ҳаммани Хўқандга йиғиб, лашкар тортиш маслаҳатини ўртага ташлади. Давлат аркони иттифоқ билан маслаҳатни куйидаги мазмунда адо этдилар: - Ҳозир айни Дай ойи ва қиш фаслидир. Бундай вақтда узоқ йўлга лашкар тортиб чиқиш қийин иш саналади. Яхшиси лашкар аҳли ўз жойларига қайтиб кетишсин. Жаноб амири кабир эса бир неча одами билан Хўжанд ва Ўратепа томонга бориб, ён-атроф вазиятини яхшилаб ўрганиб ва қалъабегиларни яхши мустаҳкам қилиб қайтсин. Умид шулким, баҳор фасли бошида кўп қўшин билан ул йўлдан адашганлар устига бориб, обдон таъзирини берсак.

Бу фикр барча катта-кичikka маъқул келиб, қабул қилинди ва амири кабир ҳам шунга қарор қилди. **Байт:**

Низо бар сари дунёйи дун макун дарвеш,
На умри Хизр бимонад, на мулки Искандар.
[Паст дунё учун низо қилма, эй дарвиш,
На Хизр умри қолур, на Искандар мулки].

Шундан сўнг давлат устун ва сарой аъёнларининг ҳар қайси ўз жойларига кетиб, қарор ва ором олдилар. Бироқ маслаҳат анжоми орқага сурилгач, кундан-кунга дев сийратли кўрнамаклар, бадбашара ҳаромзодалар, бадафеъл ёғийлар, ўзини ақлли санавчи аблаҳлар бир ерга жам бўлиб, амири кабирга нисбатан адоват кўзғатган кўйи 1278 йилнинг душанба кечаси шаъбон ойининг бешинчисид²⁰⁴³ Ҳут буржининг олтинчисид²⁰⁴⁴ Олимбий *фармончи қирғиз*, Хидирбий *эшик оғоси қирғиз*, Шодмонхўжа *фармончи*, Худойназар *додхоҳ* турк, Дўст меҳтар юз, Муҳаммад Иброҳим мирзобоши, Дўстмуҳаммадбий каби катталар бир неча авбош билан бирга иттифоқликда ярим кечаси роҳат уйқусидаги ул яхши бахтли хон устига келиб, ўтқир тиғли болта билан уриб, шахидлик даражасига етказдилар. **Байт:**

Ва гар сад бимони ва гар сад ҳазор,
Саранжом марг аст поёни кор.
[Юз йил қолсанг ҳам, минг йил яшасанг ҳам,
Ахийри ишнинг охири ўлим билан тугайди].

Сўнг дарҳол шахид амирнинг Шоҳмуродбек²⁰⁴⁴ номли тоғаваччасини хонлик тахтига кўтариб, душанба тонги субҳи содиқ аввалида барча уламо ва фузалога одам юбориб, ҳаммасини йиғиб келиб, некбахт шахиднинг жанозасини ўқиб, отаси саййид Шермуҳаммадалихоннинг мақбарасига дафн қилдилар. «Айтинглар: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албата биз У зотга қайтгувчилармиз»²⁰⁴⁵. **Байт:**

Аз жафои гардиши даврон ба ҳукми зуллилжалол,
Моҳи гардуни халофат шуд гирифтори завол.
[Даврон айланиши жафосидан кудратли шоҳ ҳукми билан,
Фалак халифалиги ой ботиш заволига йўликди].

Салтанати муддати уч йилу тўрт ой бўлди, умри ўттизга етган эди. Яхши ахлоқи туфайли кўп фуқароарвар бўлиб, адолати юзасидан фуқарога бирор зиён-заҳмат етмасди. Ул яхши номли подшоҳ замонидазулм деган сўз одамлар эсидан чиққан эди. Ҳар ҳафта жумъа куни уламо ва фузало билан ўтириб турар ва уларни баҳс-мунозарага солиб, //269^b кучли ва заифни ўз имтиёзига қараб, ҳар бири учун мартабасига яраша нафақа ва улуфа тайинлаганди. Илм ривожи шунчалар қадр топдики, ҳатто қай бир бефаҳм ва ўтмас зеҳнлилар ҳам кеча-ю кундуз китоб мутолаасига кўп сайъ-ҳаракат қилиб, ўз тенгдошларидан илгарилаб кетдилар. Мамлакатига қарашли музофот ва тавобеот аҳволдан шунчалик яхши хабардор эдики, бирор бева аёлга бирор ҳокимдан ё золимдан озгина жабр етса, албатта уни ишдан бўшатар ё нест-нобуд қиларди. Давлат ишидаги сипоҳий кишиларни гуноҳи учун аяб ўтирмас, бечора ва фуқароларга эса раҳм ва шафқат кучли эди.

²⁰⁴³ 1862 йил 5 февраль.

²⁰⁴⁴ Шоҳмуродбек (1847-1863) – Саримсоқхон ўғли. 25 феврал-4 июн 1862 йили Қўқон хони. Алиқули фармони билан ўлдирилган.

²⁰⁴⁵ Қуръони карим, 2:156.

Унинг тахтга чиқиш куниси бошидан думли юлдуз чиқиб кўриниш берди ва анча вақтгача шу зайл кўришиб турди. Ғалла қимматчилиги ҳаддан ошди. Буғдой унининг нархи бир юз йигирма пайса, гуруч юз пайса, жўхори уч ярим хўрд ва қўй ёғининг бир чаксаси ярим тилло бўлди.

Шу санада олам аҳлининг пиру пешвоси бўлиб, неча минг мурид ва мухлис йиққан Эшон сўфи Бадал бу фоний жаҳондан охират саройи бурчагини ихтиёр этди ва унинг вафоти таъриhini шоирлардан бири бир мисраъда топиб, бу таърихни қуйидаги тарзда қалам силкига киритганди.

Таърих:

«Жони сўфи Бадал ба садри беҳишт».

[«Сўфи Бадалнинг жони жаннатнинг қоқ ўртасида»].

Яна бу мазкур бўлган санада мулло Наврўз Муҳаммад *охунд қози раис*²⁰⁴⁶ ... Ўрда бозорда бир от аравадан кулаб, беланги бўлганча охиратга ошиқди. Унинг таърихи шундай келган. **Таърих:**

Таърих хабар навишта

«Раисро ароба кушта».

[Хабар санасини ёзди:

«Раисни арава ўлдирди»].

Яширин қолмасинким, ўн биринчи мисрани соқит қилсак, 1279/1862-63 сони чиқади.

Ва Фарғона пойтахтининг маддоҳларидан бўлган мулло Абдураззоқ шоир шаҳид кетган хон қатлига атаб бир нечта таърих айтганди. Шу жумладан бир нечта таърихни рақам таҳририга чекиб, шу ўринда ёздик. **Таърих:**

Чанд аз ҳам суҳбатони сағ сифат,

Буд билкулл аз мусулмоний баид.

Хоҳиши нафсу ба иқболи жаҳон,

Дил ҳамебастанд чун габри палид.

Тарбиятҳо ёфт аз эҳсони ў,

Оқибат валинеъматиди худро газид.

Бисту шашум субҳи душанбе бароти

Руҳи ў чун бод боло мевазид.

Аз барои соли фавташ аз хирад,

Ин садо дар гўши жонам мерасид.

Ба талаби таърихи он хони рашид,

Гуй «машқи Малла Кайхусрави шаҳид».

[Бир нечта ит қилиқ ҳамтавоқлар,

Мусулмонликдан йироқ бадбахтлар.

Нафс истаги ила жаҳон давлатига,

Ҳаром кофирга ўхшаб кўз тикишди.

Унинг эҳсонидан тарбиятлар топишиб,

Оқибат ўз хўжасини қопишди.

Йигирма олтинч, душанба тонги, Баротда,

Руҳи худди елдек юқори сари эсди.

Ўлгани санаси учун ақлдан,

Бу товуш жоним қулоғига етишди.

Истарсан ул рашид хон таърихин,

Де: Шаҳид Кайхусрав Малланинг машқи].

Ва яна айтгани. **Таърих:**

Масъалат менамудам аз сари дард,

Соли шаҳид Маллахон зи хирад.

«Оҳ»и беҳад кашада мегуфташ,

«Шуда хони шаҳид» таърихаш.

[Тилар эдим бошим оғриб,

Ақлдан Маллахон шаҳид йилини.

Кўп «оҳ» чекиб деди у,

«Бўлди хон шаҳид» таърихи.

Яна:

²⁰⁴⁶ Қози раис – шаҳар ва вилоятдаги бош қози (қози қалон даражасидаги қозихона маҳкамасининг бошлиғи). Мусулмонлар тарафидан ислом арконларини бажаришини назорат қилган диний амалдор. Ҳар бир вилоят ва шаҳарнинг ўз раислари ва қозиси бўлган.

Аз фарғониён аҳвол бадин тавр мастур аст,
Ки чанд тойифаанд, баъзи шамширзан.
Баъзии ийшон муфтхўр, ҳангома соз ғайра,
Зи баъзи //270^a оғози шевагарий жаҳад муфаттине,
Бисёр медонад чандони сипоҳигарий,
Намехоҳад ором ёфт, базм айшу тараб намуд.
Лек Фарғона дорад одамони некукор ҳам бисёр.
Бад тийнат ҳам бешумор, маълум аст ки,
Дунёи дун надорад ҳеч эътибор ...

[Фарғоналикдан ҳол сўрасанг шундай ёзилмиш:
Бир неча бўлакдирлар – баъзиси қиличвоз,
Баъзилари текинхўр, бошқалари ҳангома талаб,
Айримларидан кўпар фақат фитна ишлари.
Кўплари сипоҳигарликни яхши билишар,
Тинчлик топишмас базму ишратдан сира.
Лек Фарғонада кўп яхши одамлар ҳам бор,
Ёмон тийнатли ҳам саноксиз, маълумки,
Пасткаш дунёда ахир йўқ ҳеч эътибор].

Яна бир таърихи:

Пири ақл ба таърих дар навишт шаҳид,
Дигар чи гуфт ки бувад ў чу «Малла хон шаҳид».
[Ақл пири таърихига ёзди шаҳид,
Яна нима деса бўлур: У Маллахон шаҳид

Яна бир таърих:

Андеша чун нафс ба сафои ғубор рафт,
Доруи сад ҳаким пайи рангдор рафт.
Фарғона ки хитгаи Хўқанд ном шуд,
Навбати ажал ба шоҳу гадо сад ҳазор рафт.
Норафта кас намонад, аммо, ки бемаҳал,
Афсус, водариғ, шаҳриёр бемадор рафт.
Аҳди шаббоб ҳасрату армон ба доғи дил,
Дар зери хок Хусрав, Рустами рахшсавор рафт.
Субҳи душанба бисту шашўм буд аз барот,
Марҳумий Маллахон баҳодир шиор рафт.
Баҳри аъзоаш солу маҳу ҳафттаро аз чашм,
Борону барф аз дили лайл ун-наҳор рафт.
Ба худ фалак ба қадди ҳам кисвати кабуд,
Ашке зи дидаҳои кавокиб қатор рафт.
Нокому номурод ба сад фикри хомсўз,
Бад равиш буд сўйи адам беқарор рафт.
Таърих сабз мешавад аз мавти Маллахон,
«Хонам нарафту савлати тожи баҳор рафт».
[Ақл-ўй нафсдек ғубор сафоси билан кетди,
Минг табиб доруси юзи қизиллар изидан кетди.
Хўқанд ўлкаси деб ном олган Фарғонада,
Ажал навбати шоҳу гадо, минглаб одамга етди.
Кетмаган киши қолмади, аммо, не бемаҳал,
Афсус, водариғ, шаҳриёр тўхтамай кетди.
Ёшлик айёми дилда ҳасрату армон доғи ила,
Тупроқ остига Хусрав, рахш минган Рустам кетди.
Барот ойининг йигирма олтиси, душанба тонги,
Худо раҳмат қилгур баҳодир шиорли Маллахон кетди.
Азаси учун йил, ой ва ҳафтанинг кўзидан,
Ёш ёмғири кеча-ю кундуз дилидан кетди.
Фалак эгик қоматда ўз зангори либосида,
Юлдузлар кўзидан ёшлари шашқатор кетди.

Мақсад-муродга етмай, минг ушалмаган орзу,
Пишмай бошида ўйлар, йўқлик сари беқарор кетди.
Таърих кўқарар Маллахон ўлиmidан, хонимиз,
Кетмади-ю, баҳор тожининг савлати кетди].

Шоҳмуродбек салтанат ўриндиғига ўтиргач, Шодмонхўжа *парвоначини мингбошилик* вазирлиги билан сарафроз қилди. Ўша ҳафта жума куни давлат устунлари замон шоҳзодасини тўла иззат билан Жомеъ масжидига келтириб, уламо ва фузало ва фуқаро ўртасидан ўтказдилар ва сўнг жумъа намозини ўқиб, уйларига қайтиб кетдилар. Бу ваҳшат асар хабар теварак-атрофга ёйилди. Тошканд ҳокими Қаноатшоҳ катта кўшин билан Туркистон устида ўрус кофирларига қарши урушиб тураркан бу хабар етишган заҳоти лашкар аҳлининг туғма ҳарорати қўллари жангдан совиб, суслик касолатига гирифтор бўлиб, бариси кофирларни тор-мор келтириш ишидан юз ўгирган кўйи бу тарафга қараб қайтишнинг маслаҳат йўлига тушдилар. Шу ҳол асносида тўққиз кишини кетма-кет равишда Худоёрхон ҳузурига Жиззахга юбордилар ва ҳар бири хабарни етказиш баробарида Жиззахдан чиқишга ундаб, Тошканд шаҳрини пешкаш қилдилар. Худоёрхон давлат билан кўзғалиб, йўл юрганча бирон ерда тўхтамай ва дам олмай, ҳеч иккиланмай Тошканд томон юриб, икки юз нафар киши ҳамроҳлигида шошилини қаноти билан келиб Тошканд доруссалтанаси ўрдасига келиб тушди. Ва икки-уч кундан сўнг Қаноатшоҳ *отолиқ* чексиз лашкар билан Туркистон томонидан келиб, Худоёрхонга кўшилди ва эртасига салтанат аҳли ва маслаҳатга яроқли фуқароларни йиғиб, улар ҳузурида бу сўзни орага солиб, ҳодиса юзасидан фикр-мулоҳаза алмашдилар. Ниҳоят қуйи табақами, бойми, //270^б камбағалми барчаси биргаликда қайтадан янги байат учун Худоёрхонга инобат қўлини бериб, баланд овозда «давлат Худоёрхон давлатидир, бугундан бошлаб соҳиби давлатимиздир, ҳаммамиз унинг қулларимиз, дўстига дўст, душманига душман эрурмиз» деган каломга мутаранним бўлиб, «аввал бизлар жон фидо қилиб, йўлида бошимизни тикамиз ва бизнинг бошимиздан сўнг ихтиёр жаноблари зотидадир» мазмунидаги гапларни айтдилар ҳамда ҳиммат билан фуқароларнинг барча каттадан-кичиги шижоат камарини қамиш каби белига бир неча ердан маҳкам ва мустаҳкам боғлагач, қалъанинг ён-атрофини Искандар тўғони сингари ўраб олдилар Ҳар бир кунгуранинг рўпарасига бир туфангдор ва икки нафар ботир кишини ҳозир қилиб жойлаштирдилар. Сонини фақат Аллоҳнинг ўзи билувчи ва ҳисоб-китоби башар ақли доирасига сиғмас даражадаги пароканда одамлардан ташқари хос жангчиларни ҳам тўпладилар. **Байт:**

Дигар мағуй ки дарвеш дар паноҳи касе аст,
Ки подшоҳи жаҳон дар паноҳи дарвеш нест...
[Дарвиш бирор кимсанинг ҳимоясида деб айтмагин,
Жаҳон подшоси ҳам дарвеш паноҳида эмас].

Шоҳмуродбек валинаъми ибн Абдурахмонбек ибн Шермуҳаммадалихоннинг хўқанди латиф салтанати тахтига ўтиргани ва унинг замонида рўй берган айрим воқеаларнинг зикри

//271^а Ушбу сатрлар муаллифи нима рўй берган бўлса, икки тилли қалам ёрдамида ёзув тизимига шундай терадики, амир Малла Баҳодирхон уч йилу тўрт ойни давлат ва ҳукумат тепасида ўтказган пайтда унинг адолати овозаси оламнинг теварак-атрофига ёйилган эди. Агарчи сипоҳ ва лашкарни сақламоқ ва рози этмоқ қийин бўлган эса-да аммо уламо, фузало, деҳқонлар, савдогару тужжор, касб-ҳунар аҳли унинг замонида осойиш ва фароғат бешигида эдилар. Қўли баландлардан қўл остидагиларга зулм етмас эди, амалдор ва зобитлар шаҳарлар аҳолисидан бирор тийинни шаръи қонунсиз ундира олмас эдилар. Шу ҳол ва қоидага айримлар тоқат келтирмай, кеча-ю кундуз балки ҳамма вақт дилтанг бўлиб, замона ўзгаришини кутардилар. Табиатлари зулму жабрга мойил бундайлар шаҳид Малла Баҳодирхон замонида ўз қилмишларини юзага чиқара олмай қолдилар. Чунки бу хон сиёсатидан кўрқар эдилар. Унинг шаҳидлик даражасига етиб, Саримсоқбек лақабли Шоҳмуродхон ибн Абдурахмонбек амирлик ўриндиғига ўтирган кечасининг тонгида Маллахоннинг шаҳидлиги воқеаси узоқ-яқин ва турку тожик орасида ёйилиб, барча ул шижоатпеша ва хайрият андиша ғамида кўзларидан ёшлар оқизиб, зор-зор йиғлаб, хон қотилларини қарғадилар. Улуғ уламо ва умарои киромдан айримлари хон наъшини дор ул-имора масжидига олиб бориб, салавотдан сўнг хонлар даҳмаси ва аждод мазорида тупроққа топширдилар. Шаҳид Маллахоннинг мунгли воқеасидан биродари саййид Худоёрхон хабар топиб, ҳамият ва шижоат томири ҳаракатга келиб, укаси қасосида ва ёғий, фасод аҳлининг жазо топиши учун олий мартаба ҳимматини шу йўлга тикиб, //271^б Жиззах қалъасидан чиққан кўйи Тошкандга йўналишни ихтиёр этди. Шу вақтда Тошканд волийсидан ва у ернинг аён-ашрофидан кетма-кет «шариф қадамнингизга мунтазирмиз, агар бу қулларингиз борасида

марҳамат кўрсатиб, бу ҳудудга келсалар, шаҳид бўлган Маллахоннинг қасосида сиз жанобларининг узангисида хизмат бажо келтириб, қонуний равишда Сизга тааллуқли маврусий тахтингизни бошқалардан тортиб олардик» деган аризалар етишди. Хабар Худоёрхонга етишгач, шошилинич қаноти билан Дизахдан ўз мулозимлари билан чиқиб, Тошканд сари йўналди ва Чинос кечувидан кемада ўтиб, Чинос қалъасига тушди. Тошканднинг барча улуғлари замон хони ташрифидан воқиф бўлиб, истиқболга ошиқиб, 1278 йилнинг рамазон ойи бошида²⁰⁴⁷ Тошкандга тўла тажаммул билан олиб кирдилар. Туркистон шимолидаги Хўжа Аҳмад Яссавий мазори шаҳрида шаҳид мархумий Маллахон амрига биноан лашкар билан русия дафъига қиём қилиб турган Қаноатшоҳ ўз қўшини билан келиб, замон хони қўлини ўпишга мушарраф бўлиб, шаҳид Маллахон қони талабида душман ва ёғийлардан Туркистон аҳолиси ва раоёси билан иттифоқ ва ҳамжихат бўлиб, жаноб Худоёрхонга сидқидилдан байат қўлини бердилар ва сипоҳ тўплаш, уруш асбобу олотиини йиғишга машғул бўлдилар. **Назм:**

Мулозимони салотин чу якжиҳат бошанд,
 Ҳам мамлақату мол барқарор бувад.
 Агар нифоқ намоянд, макру хийла кунанд,
 Асоси жумла мамот бе мадор бувад.
 [Султонлар мулозимлари бир ёқадан бош чиқаришса,
 Ҳам мамлақат, ҳам молу мулк ўз жойида қарор топади.
 Агар бир-бири билан нифоқ, макру хийла қилишса,
 Тирикликнинг пойдеворлари кимирлаб қолади].

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўратепада шаҳид Маллахонга ёғий бўлиб, шаҳид хон буйруғига биноан Фарғона лашкари таъзирини бериш учун бориб, Ўратепани қўлга киритган чоғда Бухоро амири ҳузурига қочиб кетган, Бухоро амири эса Малла Баҳодирхон ўлими воқеасидан сал олдин Сангзор²⁰⁴⁸ қалъаси ҳукумати ва бошқарувига тайин қилган Абдуғаффорбек ибн Муҳаммадраҳимбек *отолиқ юз* Маллахоннинг шаҳидлик воқеасидан сўнгги айни пайтда бу воқеадан хабар топиб Ўратепада //272^a Малахони шаҳидга ёв бўлганидан, *юз* ва бухороликлар тўдаси билан Сангзор қалъасидан чиқиб ҳаракатланган кўйи Ём ва Зоминни қамал қилди. Бу ҳодисадан Ўратепа ҳокими Фозилбек ва сардорлардан Муҳаммадмусо *парвоначи* ва Худоёрбек *кенагас юз* ва Фарғона фавжи билан Ўратепадан чиқиб, Абдуғаффорбекни йўқ қилиш учун ошиқиб, Зомин даштида тарафлар тўқнашуви юз берди ва ҳар икки тарафдан жанг олови гуриллаб ёниб, қаттиқ кураш барпо бўлди. Аввал зафар насими Фозилбек лашкари сари эса бошлаб, Абдуғаффорбекнинг қўшини енгилди. Ўратепа сипоҳи қўлларини молу уруш ўлжалари сари очиб, душман ҳамласини назарга илмадилар. Абдуғаффорбек қочган қўшин орқасидан сардорларини юбориб «душманлар молу ўлжага машғуллар, агар ўз вақтида улар устига озгина ҳамла қилсак ғолиб бўламиз» дея уларни орқага қайтаришга ундади. Қочоқ одамлар ҳар томондан бу нидони эшитгач, хавфни унутиб, Абдуғаффорбек олдига тўпландилар. Абдуғаффорбек йиғилган ҳайъат ҳамкорлигида Ўратепа лашкари устига яна қаттиқ ҳарб билан ташланди. Оқибатда Абдуғаффорбекнинг сипоҳи шикастдан сўнг ғолиб бўлиб, Ўратепа қўшини молу ўлжага ҳирси сабабли ғалабадан сўнг мағлуб бўлдилар. Ўратепа ҳокими ва сардорларининг катталари саналмиш Фозилбек ва Муҳаммадмусо *парвоначи* ва Худоёрбек *кенагас* ва Ўратепа қўшинининг аксарияти банд қайдига гирифтор бўлиб, бошқалар эса қочиб қутулдилар. Абдуғаффорбек қочганлар кетидан бориб, Ўратепага кириб, Ўратепани ўз тасарруфига киритди //272^b ва Ўтамбой *додхоҳ қипчоқни* ҳам дастгир ва асир қилиб, шу ер ҳукумати тепасига чиқиб ўтирди.

Бу воқеалар баёни Шоҳмуродхон қулоғига етиб, тўхтовсиз равишда Хўқанд дорилиморасидан лашкар тортиб, Хўжандга келди. У ердан Нов қалъасига бориб, бу ерда илғор қўйиб, Қўштегирмон қалъасида ҳам бир нечта фавжни қараб туриш учун тайинлади. Ул мавзедан йўналиш тизгинини тортиб, Сир дарёсидан ўтиб Далварзин қалъасига келиб тушди. Эртаси куни Кориз мавзесига етди ва у ерда Кировчи ҳокими Якуббек келиб мулозимат шартини бажариб, қўл ўпиш шарафини топди. Шунинг эртасига Кировчи қалъасига бориб тушди. Шу тариха манзилларни босиб ўтиб, Тошкандга етиб келди ва Минг ўрик талли номи билан танилган тепаликда Шоҳмуродхонни кутиб олиб жойлаштириш учун шоҳий чодир ва хиргаҳлар безаб тиклаган эдилар. Шоҳмуродхон шу ерга тушди. Амирларнинг айрим катталари ва вазирлар ҳам ул тепаликда ўзлари учун турар жой ясаб, қолган лашкария шу тепалик атрофини лашкаргоҳ қилдилар. Тошканд атрофига бир нечта чаповуллар

²⁰⁴⁷ 1862 йили 3 март.

²⁰⁴⁸ Сангзор, қалъа – Жиззах-Самарқанд йўлида, Илон ўтди дарасида жойлашган.

юбориб, ғалла ва от, туялар учун ем-хашак захираси ва шу каби бошқа зарур нарсаларни ўлжа сифатида қўлга киритдилар. Шаҳарликларни сувдан маҳрум қилиб, ён-атрофдан йиғиб келтирилувчи озиқ-овқат маҳсулотлари, хуллас қалъа аҳлига неки зарур бўлиб, унинг теварагидан келадиган барча нарсанинг йўлини тўсдилар. Тошкентнинг Ниёзбек қалъаси²⁰⁴⁹ бандидан келадиган сув манбасини бузиб ташлаб, сувни шаҳар ичига киришдан тўхтатдилар. Фарғона сипаҳсолори Шодмонхўжа тўрт томондан навбат билан қалъага чопиб, манзилларда тўпхоналарни ўрнатиб шаҳар ичига тўп отар эдилар. Аммо булар ҳеч асар қилмасди. Гарчи қалъа ичида озгина қўшин бўлса-да, аммо мудофаа ишида фавқулодда сайъ-ҳаракатлар қилардилар. Бунинг бир нечта сабаби бор эди. Биринчиси, барча фуқаро ва шаҳид Маллахоннинг қасоси жиҳатидан Худоёрхон ва шаҳид хоннинг сипаҳсолори Қаноатшоҳ яқдил ва ҳамжиҳат эдилар. Иккинчидан халқни қалъани сақлаш ва жангга киришга ундаш ва қизиқтириш борасида Қаноатшоҳ катта маҳорат ва донишмандлик кўрсатмоқда эди. Учинчидан Тошканднинг барча уламози, хусусан, мулло Солихббек охунд Маллахонни ўлдирганларни ислом динининг душмани ва осийлари деб эълон қилиб, //273^a уларнинг қонини тўкмоқ ва молларини олмоқнинг ҳалоллиги борасида ҳукм чиқарган эди. Шунга биноан ҳар тарафдан ҳужум ва ҳамла қилсалар ҳам қалъадорлар уларни ҳеч қўрқмасдан уриб қайтарар эдилар.

Авлиё Ото, Хожа Аҳмад Яссавий шаҳри ва бошқа қалъалар ҳокимлари келиб, Шоҳмуродхон хизматига қўшилдилар. Хон ул атрофнинг закот ва хирожу божи учун Нормухаммад *парвоначини* тайин қилди. Қамал муддати чўзилгач, Худоёрхон Мирзо Аҳмад парвончи ва бир неча нафар уламози Бухорога элчилик расми билан юбориб, амир Музафариддин Бухорийдан ёрдам ва қўллов сўради. Бухоро амири қабул қилоғи билан эшитиб, Бухородан катта қўшин билан Ўратепа томонга юриш қилди. Бу хабар Шоҳмуродхон ва Фарғона амирларининг қилоғига етишгач, шабгир қилиб, Тошканд устидан қўзғалиб, Хўқанд дорулиморати сари қайтиб кетди. Ҳижрий 1278 йил зу-л-қаъда ойининг ўн тўртинчисида душанба куни²⁰⁵⁰ Хўжа ягона мавзесига тушгач, ўша ерда шаҳид Маллахоннинг қотиллари ўртасига низо ва хусумат оралаб, икки фирқага бўлиндилар. Биринчи фирқанинг сардори Фарғона сипаҳсолори Шодмонхўжа ва амири лашкар аалимқули ва Мингбой *парвоначи* ва Пўлод *додхоҳ* ва Чўтан *додхоҳ* ва яна бошқалар, иккинчи фирқанинг сардори Марғинон ҳокими Хидир *парвоначи* ва Худойназар *парвоначи* турк, Идрисқули *додхоҳ қипчоқ* ва яна бир тўда киши эдилар. Алқисса, ҳар фирқа бир-бирини бағи ва фасод ва Маллахоннинг қатлига мансуб қилиб, бири «бу барча фитналар сизлардан чиқди» деса, яна бир тараф «бу исён қўзғовчилари сизлар» дерди. Ҳосили калом, Шоҳмуродхон уларни ўз боргоҳига келтириб, муҳолифат оловини сўндиришга ҳаракат қилди. Аммо бунга муяссар бўлмади. Шунда Хидир *парвоначи*, Худойназар *парвоначи*, Идрисқули *додхоҳ* ва яна бир неча нафарни шу ердаёқ сиёстга еткарди. Олимбек *парвоначини* ушлаш учун эса Чўтан *додхоҳ*ни беш юз аскар билан амирлик саройи Хўқандга жўнатди. Чўтан *додхоҳ* шошилиш қаноти билан Хўқандга етиб, Олимбекни қатлга етқариб, ўзи бу шаҳарга қараб туриш вазифасини бажаришга киришди. **Назм:**

Рости чун сарв дар бар гир к-зи ин чорбоғ,
Туъмаи гулхан бувад шохе ки кажсар меравад.
[Сарвдек тўғрилиқни касб эт, акс холда бу боғдан,
Қийшиқ ўсган шох гулханга ўтин бўлур]

Шоҳмуродхон бу ишдан тинчигач, //273^b Хўжа ягонадан амирлик саройи Хўқандга кетди. Уруш асбоб-олотлари тайёрлаш ва қалъадорлик ишларига машғул бўлди.

Шоҳмуродхон Тошканд қалъаси дарвозаси ёнидан қайтган маҳалда Худоёрхон ва сипаҳсолори Қаноатшоҳ Шоҳмуродхоннинг изидан Тошканддан амирлик саройи Хўқанд сари лашкар тортдилар.

Ул томондан Бухоро амири Самарқанддан ўтиб, манзилу масофаларни босиб, Ўратепага келди.

Худоёрхон Сир дарёсидан кечиб ўтиб, Нов қалъаси туманларидан Оқ тепага келиб тушди.

Амир ҳам Ўратепадан чиқиб шу қалъага келиб тушди. Ўша ерда ҳар икки соҳиби давлат бир-бирининг мулоқотига етишиб, бир-бири билан қўл олиб ва қучоқлаб кўришиш расмини бажо келтириб, ҳар иккиси ўз шон-шавкатига кўра тарафларнинг эъзоз-эҳтиром эшикларини очдилар. Беназир амир машваратига биноан олий шаънли хон Хўжанд томонга бир манзил илгари юрди ва ул шаҳарга етгач, Шоҳмуродхон буйруғига кўра ўша ерда волий бўлиб турган Якуббек пешкаш ва тансуқот билан ёнига Хўжанднинг улуғлари ва аъёнларини солиб, хон хузурини топиш шарафига

²⁰⁴⁹ Ниёзбек қалъаси – Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида барпо этилган Қўқоннинг истехкоми. 1865 йили рус аскарлари томонидан бузиб ташлаган.

²⁰⁵⁰ 1862 йил 12 май.

мушарраф бўлди. Хон улардан ҳар бирининг мартабасига яраша сийлов ва илтифот кўрсатиб, амир хузурига йўллади. Бухоро амири ҳам улар билан келиб, хон ҳамроҳлигида Хўжанд шаҳрига кирди. Шу ерда тўрт кун дам олди. Бухоро амири ўз қўшини ва амирлари билан бирга ҳордиқ чиқаргач, бир фавжни лашкардан сайлаб олиб, ёрдам тариқасида хон хизматига ҳамроҳ қилди. Худоёрхон дориламора Хўқандни эгаллашга юзланиб, тезлик тариқи билан Хўқанд атрофига етиб, шаҳарни камал қилишга киришди. Мамлакат уламо, фузало, раоё ва аёнлари Маллахонга нисбатан *қипчоқу қирғиз* қавми томонидан қилинган зулм ва фитна жиҳатидан ва ул адолат пеша хонни жафо қиличи билан ўлдириб, куфрони неъмат бўлганлари учун ранжиб интиқом ва қасос фурсатини ахтарар эдилар. Шу маҳалда уламо ва акобир ва раоё ҳаммалари тил бириктириб, шимол тарафдаги дарвозаларни Худоёрхон лашкарига очиб бердилар ва шаҳар ичкарасига киритдилар. Худоёрхоннинг қўшини шаҳарга қуйилиб кириб, ҳеч кўркмай улар ёрдамига ҳамроҳ бўлиб, Шоҳмуродхон сипоҳидан ва *қипчоқ-қирғиз*дан кўпини ўлдирдилар ва асир олдилар. Бошқалар эса ул ҳалокат гирдобидан катта уриниш билан зўрға қочиб чиқиб, //274^а халослик топдилар. Шоҳмуродхон отдан йиқилиб, мажруҳ бўлиб, ўзининг хос бир мулозими билан қалъа ичкарасида ўзининг хос маҳрамларидан бирининг уйига кириб бекинди.

Исён аҳлини қалъадан қувиб чиқаргач, уламо ва фузало ва шаҳарнинг катталари Ёйлама мавзесида замон хонини кутиб олиш ва олий бўсағасини ўпиш учун ошиқиб, хон хузурини топишга мушарраф бўлдилар. Ҳижрий бир минг икки юз етмиш саккизинчи йилнинг олтинчи зу-л-ҳижжасида чаҳоршанба куни²⁰⁵¹ жаноб Худоёрхон кўп тажаммул ва шавкат билан амирлар уйи Хўқандга кирди ва иккинчи марта хонлик тахти ва ҳукмронлик ўриндигига ўтирди. Ўша замон фозиллари бу борада таърихлар ёздилар. Улардан биттаси ушбудир. **Таърих:**

Жулус бар жулуси масъудаш хотиф худ гуфто,
«Шуд зи руйи ҳукм доди давлати Худоёрий».
[Устама-устак тахтга ўтириш бахтига Ҳотиф деди ўзи,
Ҳукм бўйича Худоёрий давлати бўлди барқарор].

Бошқа биттаси топган **таърих** шундай эди:

Фатҳ рузи чаҳоршанба буд;
[Чаҳоршанба куни фатҳ бўлди.

Шу айёмда Яқуббек Бухоро амири номидан битта ишончли кишини хоннинг тахтга чиқишини муборакбод этиш учун Хўқандга жўнатди. Хон бухоролик элчига иззат-икром кўрсатиб, меҳмоннавозлик тариқи билан бир неча кун ёнида ушлаб турди. Элчи Бухоро амирини Хўқандга меҳмон сифатида таклиф қилиш борасидаги сўзларни ҳам келтирган бўлиб, унда амирнинг меҳмонлик йўсини билан Хўқандга келиб, биргаликда исён аҳлинининг қолган-қутганларини ҳам тор-мор келтириш тўғрисидаги фикрлар баён қилинган эди. Хон амирнинг мазкур даъватини ўз давлати устунлари ва ҳукумати амирларига етказиш учун маслаҳат йиғинини тўплаб, масала қуръасини ўртага ташлади. Сипаҳсолор Қаноатшоҳ ростгўй ва дангал сўз киши бўлгани сабабли барчадан олдин арзга етқариб «Бухоро амирини меҳмон тариқи билан Хўқандга таклиф этсак ва агар амир қабул қилса, бир неча кун Хўқанд дориламорасида кутиб олиб, зиёфат шароитини бажо келтирсак. Бухоро лашкарини эса ўзимиз билан бирга олиб, ҳалигача бутунлай тарқаб кетмаган ва илдизи бутунича кўпориб ташланмаган фитна-ю фасод аҳли, исёнчи ва бузуқи сардорлар устига бостириб бориб, барчасини тор-мор келтириб, ишларини бир ёқлик қилсак, анча йиллардан буён аланга олиб турган фитна ва исён оловини учирган бўлардик. Душманни заиф ва кучсиз санаб, назар-писандга илмаслик яхши эмас. //274^б Бундай қараш охирида пушаймонлик келтиради» – деди. Қаноатшоҳ сўзини тугатгач, Мирзо Аҳмад *қўшбеги* ва Рустамбек *додхоҳ* ҳамда Қаноатшоҳ *отолиққа* нисбатан юрагида душманлик адоватини сақлаб юрган бошқа айрим амирлар «Эй замон сарвари, амир Насруллоҳ Хўқандни эгаллаб, Муҳаммадалихон, Султон Маҳмудбек ва уларнинг оила-аъзоларини қатл қилиб, Иброҳим Хаёлни ўзининг ноиб сифатида ҳукм юргизиш учун Хўқанд тахтига ўтқазиб кетган эди. Бу амир Музаффар ҳам ўша амир Насруллоҳнинг ўғли. Улардан ҳеч бирининг аҳду паймонлари-ю ваъдаларига чиппа-чин ишониш керак эмас. Чунки ҳали бу каби бегоналар у ёқда турсин, подшоҳлар ҳукумат ва сиёсат юргизиш бобида ҳатто ўз ёру биродар, қавму қариндошларига ҳам ишонмай, фақат Аллоҳга таваккал қилишлари лозим. Яхшиси шуки, муносиб пешкаш ва ҳадялар тайёрлаб, чиройли бир ташаккурномани қаламга олиб, улуғ амирлардан бирини Бухоро амирининг элчисига қўшиб юборайлик-да амирни меҳмонга чақиришни бошқа вақту соатга қолдирайлик». Амирларнинг кўпчилиги ва хоннинг укаси Султон Муродбек иккинчи таклифни

²⁰⁵¹ 1862 йил 5 июнь.

маъқул кўриб, Қаноатшоҳнинг сўзини қўллаб-қувватламаганлари сабабли хон ҳам кўпчиликнинг раъйига қарши бормади, натижада амирлар ҳамда хон укасининг таклифига биноан Қаноатшоҳни хоннинг элчиси сифатида тайинлаб, қимматбаҳо тансуқот ва тухфалар билан Бухоро амирининг элчисига қўшиб юборишга қарор қилинди. Қаноатшоҳ чор-ночор элчига қўшилиб, Бухоро амири хузур сари йўлга тушди ва Хўжандга етишгач, Бухоро амирининг хузурини топишга мушарраф бўлди. Амир ўша ерданоқ Бухоро томонга қайтаркан, Қаноатшоҳни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди.

Хон бу ишлардан тинчигач, Султон Муродбекни Марғионга ҳоким қилиб тайинлади, Дўстумбой *додхоҳ юзни* Андижон ҳукуматини, Дўстмуҳаммад²⁰⁵² *эшик оғоси қорақалпоқни* Балиқчи ҳукуматини бошқаришга мутасадди қилди. Мулло Султон²⁰⁵³ *парвоначи юз*, Худойназар *эшик оғоси Қаротегинийни* минг *понсад* жангчи билан Андижонни назорат қилиб туришга юборди. Улуғ уламодан Сулаймонхўжани истимолатнома билан исёнчи ва бузғунчилар олдига насихат қилиб, ул динсиз фирқани йўлга солиш бобида ваъз қилиш учун жўнатди.

Шу аснода //275^a исён аҳли томонга кетаётган Шоҳмуродбекни Олмаров мавзесида ушлаб, хон хузурига келтирдилар. Худоёрхон қариндошларга ва кичикларга нисбатан ўта шафқатли ва меҳрибонлиги юзасидан айблари зангини афв ва кечирим суви билан ювиб, унинг ҳаққида оталарча марҳамат ва подшоҳларча сийлов бажо келтирди ва шоҳзодалару улуғ нўёнлар қаторидан жой берди.

Хон шундан бир неча кун сўнг *қирғизу қипчоқ* исёнчиларини йўқотиш мақсадида Шаҳрихон тарафга лашкар тортди. Ғалаба аломатли қўшин бу балдага бориб тушгач, исёнчиларга насихат қилиш учун кетган олимлар олими Сулаймонхўжа мурод ҳосил қила олмай қайтиб, ул неъматга куфрлик қилувчи ва бузуқи гуруҳнинг ўжарлигини замон хони хузурига арз қилиб, ушбу назмдаги маъноларни айтди. **Назм:**

Ин суханро ёд гир эй азиз,
Боз ояд ба асли худ хама чиз.
Зи нопокзодагон мадоред умед,
Ки зангий набошад ба шустан сафед.
[Бу сўзни ўрганиб ол, эй азиз,
Барча нарса яна аслига қайтар.
Нопокзодалардан қилманг умид,
Занг ювган билан оқармас ҳеч].

Шу гап-сўзлар бўлиб турган пайтда қўзғолончи қавм Андижонни қамал қилиш учун кетиб, жасорат отини шу шаҳар сари чоптирдилар. У ернинг халқи эса якдиллик билан мудофаа ишига киришдилар ва жанг ҳийла-найрангини ишга солиб, шаҳар дарвосини очиб қўйдилар ва пистирмада душман киришини пойлаб ўтирдилар. Шунда бу ҳийладан беҳабар Шодмонхўжа, Алиқули Мингбой, Бекмуҳаммад²⁰⁵⁴ ва Чўтанбой *қипчоқ-қирғизни* тўрт фавжга тақсимлаб, бирин-кетин ҳеч шубҳага бормай шаҳарга кирдилар. Андижон сипоҳининг сардори мулло Султон *парвоначи* ва Худойназар тожик Қаротегиний ва Андижон ҳокими Дўстумбой пистирмада бекиниб ўтирган сипоҳ ва халқ билан югуриб чиқиб, туфангчиларни саф олдига қатор қилиб қўйган ҳолда бамайлихотир қалъа ичига кириб келган бузғунчиларнинг йўлини тўсдилар ва душманни ўқ ёмғирига тутдилар. Фасод аҳлидан кўп киши ўлгач, от жilовини орқага қайтиш учун бурдилар. Қалъа аҳли эса уларни таъқиб қилганча шаҳардан ташқари чиқдилар. Ўша пайтда исёнчилар от жilовини қувлаб //275^b келаётган шаҳар қўшини ва аҳоли усти сари буриб, кетма-кет ҳамла ва ҳужум уюштирдилар. Шаҳарликлар ҳам мардлик ва мардоналикнинг додига етиб, исёнчиларга кучли зарба бергач, босқинчи душман Эска балдасига бадар кетди. Қалъа аҳли эса соғ-омон шаҳарга қайтиб кириб, илоҳий шукронани бажо келтирдилар. Бу ғалаба хушхабарини битти ишончли одам орқали Марғионда турган хон хузурига етказдилар. Хон ул жангда Андижон ҳимояси учун курашиб, вафодорлик шартини бажарганлардан ҳар бирини хизмати ва мансабига яраша қимматли мукофот ва лойиқ лутфлар билан сийлаб, хурсанд ва баҳраманд қилди. Олий шон-шавкатли хон эртасига лашкар билан Марғиондан чиқиб, Яккатутга келди, эртасига эса у ердан қўзғалиб, Қуво навоҳисига етишди. Қарасалар, кечаси қўзғолончилар келиб, ул саҳродаги катта анҳорларни очиб юбориб, йўл ва даштни сув остида қолдиришибди. У ердан ўтиш қийинлашиб, бу ҳақда қаровуллар хон хузурига хабар беришди. Йўл топиш учун бир нечта кўп сонли гуруҳлар сафарбар қилинди. Оқшом яқинлашиб қолгани сабабли олий буйруққа

²⁰⁵² Дўстмуҳаммад – 1863 йили ҳалок бўлган. Қарақалпоқлардан.

²⁰⁵³ Мулло Султон додхоҳ (ваф. 1863) – йуз кабиласидан, охунд ва понсадбоши.

²⁰⁵⁴ Бекмуҳаммад додхоҳ – шаъбон оий 1282/20 декабр-18 январ 1866 йили вафот этган. Қипчоқларнинг етти кашқа уруғидан. Муҳаммадназар Кўрўғли ибн Санжар баҳодирнинг бобоси, Холмуҳаммад додхоҳнинг отаси. Шаҳрихон (1842-1852), Чуст (1860-1861), Андижон (1865) ҳокими. Бир муддат Қўқонда хон бўлган Худрийқулининг мингбошиси бўлган (июн 1865). Худоёрхон учинчи марта тахтга чиққанида (июл 1865) 3-4 минг қирғиз ва қипчоқлар билан Шарқий туркистонга кетган.

биноан лашкар тунаши учун жой тайинлангач, ҳали тонг отмасдан туриб, яъни олам тун қоронғулиги оғушида чоғи исёнчи қавмлар тағин кўриниб, нусрат асар қўшинга шабихун урдилар. Хон ва амирлар апил-тапил отга минишса-да, ҳали лашкар тўла сафга тизилмасдан бурун исёнчилар етиб келиб, ўзини жангга тайёрланиб улгурмаган аскарлар устига уришди. Икки томон бир-бирини ўлдира кетдилар. Қоронғи тунда шундай қаттиқ олишув бўлдики, худди қиёмат куни юзага чиққандай эди. Исёнчиларнинг лаънати Мингбой *қипчоқ*нинг вужуди билан булғанган ўнг қўли хон лашкарининг Султон Муродбек амирлиги остидаги чап қўл устидан ғалабага эришиб, жойидан қўзғатган кўйи орқага сура-сура Марғинонча етказди. Осий душманнинг Алимқули ва Шодмонхўжа сардорлари бўлган қалби ва чап қўли қанчалик от солмасин, зафар асар лашкарнинг хоннинг қутли шахси бошқараётган қалб қисми жойидан қимирламади. //276^a Ниёзали *қўшбеги* сардорлиги остидаги ва бошқа амирлар ҳам жой олган ўнг қўл ҳам сабитқадам турдилар. Уруш бозори кун чиққунча қизигандан-қизиб, ниҳоят жангда ғолиб келувчи хон ўзининг тенгсиз шахсий қобилияти билан исёнчилар лашкари қалбига тўхтовсиз ҳамлалар қилган ҳолда душманни ўрнидан қўзғатиб, орқага улоқтириб ташлашга эришди ва уларни енгиб, тор-мор келтириш ниятида Ниёз ботур мавзесига орқаларидан қувлаб борди. Етиб олиб эса душман қавмдан қанчаларини ўлдириб, қанчасини асир туширди. Сўнг ўз қароргоҳи сари қайтди. Ниёзалибек *қўшбеги* ва бошқа амирлар ҳам қаршиларидаги Шодмонхўжа устидан ғолиб келиб, орқага қочирдилар. Улар қўли остидаги аскар ва иймон аҳлининг қўлига мўл-кўл жанг ўлжаси тушди. Вилоятнинг ён-атрофига хушxabарномалар юбордилар. Йўлдан адашган *қирғиз-қипчоқ* фирқаси паришон ҳол ва қайрилган пару-қанот билан Асака қишлоғига бориб, *қирғизия* ва *қипчоқия* улус ва қабилаларига қосидлар юбориб, ёрдам ва қўллаб-қувватлашга чақирдилар. Жанг майдонида ор-номус ҳимоя қилинган ўша кун олий давлат қўшинидан икки минг нафар киши шахидлик даражасига етди. Етти юз нафар эса қаттиқ яраланди. Жанг майдонини ташлаб қочган қўрқоқларнинг сони ҳам кам эмасди. Исёнчи қавмдан уч минг олти юз кишидан зиёди ҳалокат тупроғи узра қулаб, минг нафардан ортиғи ярадор бўлган эди. Олий фармойишга биноан душман қавми қочиб кетгач, шахидлар учун ўз қонидаси бўйича намоз ўқитиб, мард ўғлонларни тупроққа дафн қилдилар. Шундан сўнг Қобил мавзесида ғалаба аломатли қўшин учун лашкаргоҳ ясаб, яраланганларни даволаш ва заифларни қувватлантириш ишига киришдилар. Лашкаргоҳ атрофига чуқур қаздириб, тупроқ ва ёғоч ва арава ва бошқа тўсинлар билан бекитиб, ён-теварагига *тўпчи*²⁰⁵⁵ ва *туфангчилар*ни жойлаштирдилар. Лашкар аҳли кириб чиқиши учун эса тўрт томондан тўрт дарвоза тайин қилдилар. Нурли ҳузурда саккиз юз жанг кишисидан ташқари тани-бадани соғ одам қолмагани учун тавочилар ва мухбирларни дорилимора Хўқанд ва Марғинон балдасига лашкар чақириб учун жўнатдилар. Хоннинг ўзи ҳам ул ҳумоюн лашкаргоҳда истиқомат қилди. Бу тўқнашув воқеаси 1279 йилнинг муҳаррам ойи бошида жумъа куни²⁰⁵⁶ рўй берди.

Исёнчилар Асакада муқим турган пайтлари *қипчоқия* қабила ва тойифаларидан ёрдамчи одамларнинг гуруҳлари келиб, улар кўплиги йигирма мингдан ошди ва душманнинг куч билаги зўрайиб, яна фасоднинг катта йиғини жавлонга кириб, жанггоҳда ҳозир бўлишди ва ҳумоюн лашкаргоҳнинг атрофини ўраб, ҳужумга ўтдилар. Хон жаноблари //276^b ўзлари шахсан *тўпчи* ва *туфангчилар* олдига бориб, уларни жангга ундаш орқали душман сафларини тўтовсиз равишда ўк ёмғирига дучор қилиб турдилар. Ул лаънатилардан жуда кўпчилиги қаро тупроқ узра қулади. Бошқа бировлар ҳужумга ўтган ғаним устига от қўйдириб, шу зайл тўрт томондан янчилик-енгилик орқага чекиндилар ва тепаликлар устига бориб жойлашдилар. Бир неча кун шу зайл жангу жадал рўй бериб душманлар кўп талафот бериб қайтардилар.

Шу аснода Султон Муродбекнинг Хўқанд ва Марғинондан қўшин йиғиб, акаси Хўдоёрхонга ёрдам бериш ва мадад етказиш мақсадида келиб, қутли лашкарга тўрт фарсах масофада жойлашган Яккатут қишлоғига келиб тушганидан фасод аҳли хабар топиб, Султон Муродга қарши жангга отландилар. Султон Муродбек бу ходисадан огоҳ бўлиб, душман сони ўзининг қўшинидан икки баробар кўп бўлгани сабабли тўқнашув ва қўл жангини маъқул кўрмай, Яккатут қишлоғига қамалиб олди. Исёнчилар бир неча бор юриш қилиб келиб, нечалари ўлиб ва ярадор бўлиб яна ўз жойига кетдилар. Бу ёғийлар бир ойгача гоҳ Султон Муродбек устига, гоҳи лашкаргоҳга ҳамла қилиб келиб, шу зайл уруш қилиб юрдилар. Бир ойдан сўнг вафодор хизматкор мулло Султон *парвоначи* Андижондан тўрт минг кўнгилли сипоҳ билан давлатга ёр валинеъмат ва шижоат шиор хонга ёрдам учун келиб, ҳумоюн лашкаргоҳга янгидан равнақ бағишлади. **Маснавий:**

То накуни жойи қадам устувор,

²⁰⁵⁵ Тўпчи (боши) – артиллерия бошлиғи. Қалъалар ва истехкомлар ҳолатини ҳам у назорат қилган.

²⁰⁵⁶ 1862 йил 5 июль.

Пой манех дар талаби ҳеч кор.
Дар хама коре ки дар ойи нахуст,
Рахна бурун шуданаш кун дуруст.
[Тушган жойинг мустаҳкам этмагунча,
Ҳеч бир иш талаби учун оёқ босма.
Қай ишга киришсанг дастлаб сен,
Чиқиш тешикларини тўғирлагин].

Алқисса, хон ул манзилдан ҳар кун бир фарсах юрганча кўрнамак бадбахтлар билан ҳарб қила-қиладан кўзгалган кўйи олға босиб ва келган ерга тушиб, тўртинчи куни Яккатутга кириб бордилар ва ҳар икки ака-ука бир-бири билан кўшилишиб, бахт юлдузлари қовушди. Бадбахтлар ҳам Яккатутдан бир фарсах нарида жойлашган Роварчўп тепалигига келиб тушдилар. Ҳар кун келиб, уруш-саваш қилиб, яна тепаликка қайтиб кетардилар. Шу паллада Хўқанд улуғлари ва аҳолиси ўз ичидан беш минг кўнгилли кўшинни ўз соҳиби неъмат ҳукмронига ёрдам сифатида йиғиб, кибор шайхлардан Миён Фазл Аҳад ва киром уламодан Сулаймонхўжа ва шаҳар мухтасибини уларга кўшиб, Яккатут тарафга жўнатдилар. Марғинон ташқарасидаги Заркант ариғи //277^a мавзесига етишиб, шу ерга тушдилар. Кумуш каби ойдин тунда бадбахт душманлар галаси бу воқеадан хабар топиб, Шодмонхўжани ўн минг нафар билан Яккатут рўпарасида кўйиб, қолган ўн минг кишини олиб, халқдан чиққан Хўқанд кўнгиллилари устига шабихун уюштирдилар. Хўқандликлар ўзлари турган манзил атрофини беркитмаган эдилар. Устига-устак ораларида уруш кўрган ва жангларда тажриба орттирган бирон киши йўқ эди. Ноилож бостириб келган ёв билан урушга кирдилар ва озгина вақт уруш-саваш қилиб, анчалари қатлга етди, бир нечалари эса бу бало-офат гирдобидан қутулиб, ўзларини Марғинон ичига уришди. Кўнгилли кўшиндан етти юз киши душман кўлига тушди. Асирларни олиб, ўз турган ерлари сари қайтиб кетиб, асирларни шу яқин орада Фарғона хонлари хонадонига нисбат бериб, шу сабабли ўзларича хонлик тахтига миндирган Шаҳруххон ёнига олиб бордилар ва ҳаммасининг гарданига уриб, кўй каби сўйдилар. Қалбида заррача раҳм-шафқат йўқлиги бу бадбахтларни шу ёмон кирдорга ундаган эди.

Шу айёмда шарқ тарафдан думли юлдуз ялтираб кўринди. Бу илоҳий қудрат аломатининг бир ажойиботи эди.

Алқисса, бадбахтлар Яккатутда замон хони билан уруш қилиб, кўпчилиги тўпу туфанг ўқиға учдилар ва отларидан ер тубан қулаб тушиб, натижада Яккатут жанги ва қамалини тўхтатганча Марғинон томонга кетиб, ўша ерни назорат қилиб турган Мирзо Аҳмад *қўшбегини* қамалга олдилар. У ердан ҳам қувилиб, тағин Яккатутга келиб, урушга машғул бўлдилар. Шу зайл уч ой давомида уруш ва саваш амалга ошиб, шундан сўнг бадбахтлар гуруҳи хийма ва чодир, амвол ва ашёларини олиб, бир кечасиёқ йўқолиб қолдилар. Бу ажиб ишни душманнинг макру хийласига йўйиб ён-теваракка қаровуллар ва нигоҳбонлар юбориб, қанча текшириб кўрмасинлар, ёвдан ҳеч бир асару нишона топмадилар. Жаноб хон Яккатутдан Марғинонга келдилар. У ерда Хўқанд улуғларидан хабар ва ариза келиб, маълум бўлишича, ул динсизлар гуруҳи дориламора Хўқанд қалъасини қамал қилиб, хужум уюштиришга кетган экан. Бу воқеанинг қисқача тафсили шуки, ул ғаддорларнинг икки ўртада югуриб-елишидан ҳеч бир иш чиқмагач, тезликда Хўқанд сари от кўйдириб, билдирмасдан ва тўсатдан шаҳарга хужум қилсак, деган қарорга келишибди. Шу хийла билан мазкур манзилдан шабгир қилган кўйи катта тезлик билан Хўқандга етиб олибдилар ва ўша куниси қалъа атрофида «биз Худоёрхон кўшини устидан ғалаба қозониб, уларни тор-мор келтирдик ва ҳар томонга тарқатиб юбордик. Шаҳар аҳолиси эндиликда бизга итоат қилишлари керак ва бизнинг халққа ана шу каби «итоат этинглар» //277^b дейишдан бошқа ҳеч илинжимиз йўқ» дея жар солибдилар ва шу мазмунда Хўқанд шаҳри ичига элчи киритиб юборибдилар. Шаҳар аҳолиси элчилик мазмунидан хабар топиб, хайратга тушибдилар ва Худоёрхон тарафидан ҳеч хабарлари бўлмагач, ёғий билан муроса қилиб, яраш ишига кўнган кўйи Қатаған ва Рошидон дарвозаларини ёғийларга очиб бериб, исён аҳлига қаршилик кўрсатмабдилар. Ёғийлар бир томони шаҳар боғлари ва бошқа ёғи қалъа бўлган Чорчаман мавзесига тушиб жойлашибдилар. Улуғлар ва фуқаро хуфия равишда воқеа нимлигини англаш мақсадида Марғинон томонларга одамлар юборишибди, бир кишини эса хабарчи қилиб мактуб билан хон ҳузурига жўнатишибди. Бу ишларга тайин қилинганлар юз-қиёфа ва кийимларини ўзгартириб, одам кам юрадиган йўл орқали Марғинонга етиб олишибди. Қарасалар, гап бутунлай бошқача – хон соғ-саломат ва давлат билан Марғинонда муқим турибди. Бузғунчиларнинг барча гап-сўзлари хийла-найранг ва ёлғондан ўзга нарса эмас экан. Шу захоти хўқандликларнинг қосидлари арзадошт мактубни хон жанобларига элтиб бериб, пойтахтдаги аҳволдан огоҳ қилишибди. **Фард:** Сабр кун андар жафову дар ризо, Дамбадам мебин бақо андар қафо (Жафо пайти ҳам, яхши пайти ҳам сабр қил, Дамбадам қараб тур орқа-ю олдга).

Алқисса, замон хони бу ҳангомадан хабар топиб, тўхтовсиз равишда ўз узангиси остида хизматда турган бор лашкар билан Марғинондан чиқиб, Хўқанд тарафга отланди ва Хўқанд яқинидаги бир жойга етиб келди. Шаҳарликлар томонидан келган қосидларга шу ерда рухсат бериб, хон келганидан шаҳар аҳолисини хабардор қилиш учун Хўқанд сари қайтариб юборди. Қосидлар етиб боришгани заҳоти Хўқанд аҳолисига дилни қувончларга тўлдурувчи мазкур хабарни етказиб, кўнгилларга янги ҳаёт нашидасини бағишлашди. Шаҳар дарвозалари ва қирғиз-қипчоқ йўлларига тўсиқ сифатида шох-шабба, дарахт ва араваларни қўйишди. Хўқанднинг ҳар бир маҳалла-кўйидан халқ тўп-тўп бўлиб чиқиб, қипчоқ-қирғизга қарши урушиш учун юрдилар ва бозор куни, яъни якшанбада бадбахтлар қавмидан ким кўзга илинса, болта билан ўлдириб, Чорчаман мавзесига бориб, бадбахтлар гуруҳи билан жангга киришдилар. Ул диёнатсиз бединлар мудофаа ва муҳориба қилиб, ҳар икки томондан жуда кўплаб кишилар ўлдирилди ва мажруҳ бўлдилар. Худоёрхоннинг кириб келиши яқинлашган бир пайтда қирғиз-қипчоқлар бор кучлари билан қалъа деворларини тешиб чиқиб, юзини қочиш водийси сари тутиб, Рошидон²⁰⁵⁷ қишлоғига қарашли //278^a Қирғиз қишлоқ мавзесигача ҳеч ерда тўхтамай қочиб кетдилар.

Шу аснода Фарғона давлати тахтининг соҳиби Муйи муборак мавзесига иззат ва дабдаба билан келиб тушди. Уламо ва фузало, акобиру аёнлар истиқболга ошиқиб, душман қавмидан қўлга ўлжа тушган бир нечта тўп ва туғ ва чодирларни пешкаш қилдилар. Эртаси куни шаҳар аҳолиси худди рўза тутганларнинг ҳайит ҳилолини Яккатут томонидан чиқишини интизорлик билан кутгани каби фавж-фавж юриб бориб, бўсаға ўпишлик бахтини топдилар. Ўша куни деҳқонлар ва пойтахт аҳолиси учун гўё ҳайит айёми келгандек эди. Хоннинг Хўқандда қолган онаси, ҳарами ва фарзандлари ул соҳиби шавкатни кўриш билан мақсадлари ҳосил бўлди. Бадбахт ва ичи қора ёв Хўқанддан қочган вақтларида йўллари устидаги қайси ерда мусулмонлар яшаб турган бирор қишлоқ бўлса, жабру азоб билан захира ва ғалла ва ўт-пичанини тортиб олиб, йўл устидаги қишлоқларнинг бойларини торож ва яғмо қилиб, Эска қишлоғига бориб, истиқомат тўшагини ёйиб, ён-атрофдаги музофотларга қароқчилик уюштириб, шунинг воситасида ўзларининг кундалик тирикчилиги ва эҳтиёжларини деҳқонлар ва фуқаро мол-мулкидан таъминлардилар.

Хулласи калом, жума куни хон шаҳар ичига кириб, жаннатмакон Умархоннинг жоме масжидида жума намози адосини бажо келтириб, ўзининг маврусий амирлик қасрига ва ҳукмронлик тахтига чиқиб ёнбошлаб, доду адлга машғул бўлди.

Бир неча вақт шу зайл ўтиб, фасод ва бузукчилик аҳли макру ҳийлада иблисдан ҳам човгон тўпини олиб қочувчи Мингбой қипчоқни беш нафар киши билан Намангон тарафга ўтказиб, Косон шаҳри атрофидаги бадавий қабилалар раис²⁰⁵⁸ и бўлмиш Саримсоқбий сарунинг олдига юбордилар ва васваса ва афсун билан ёғийлик тариқида ўзлари билан ёр ва дардига ҳамкор қилдилар. Ул мунофиқ қипчоқ-қирғизия Косон ва Ахсикат²⁰⁵⁹ атрофига тўс-тўполон билан ғавғо солиб, Тўрақўрғон қалъасини қамал қилдилар. Намангон ҳокими хоннинг куёви саййид Маҳмуд тўра Намангондан ёғий аҳли жамоаси устига лашкар тортиб, жанг қилиб шикаст берди. Нифоқ аҳлининг раиси Саримсоқ қочиб Чатқал тоғига кетиб, яна у ерда ҳар тарафдан қипчоқ ва қирғиз қабилаларини ёппасига даъват қилиб, кўп халқ жамлади ва катта жамият билан //278^b келиб Намангонни қамал қилди. Саййид Маҳмуд тўра уларга қарши мудофаа жангига ўтиб, сайъ-ҳаракат камарини белига боғлаб, ҳар гал қалъага югурганларида туфанг ўқи ва тўп сочмаси билан ҳаётини куйдирарди. Ёғийлар кўшин йўқ жойлардаги айрим қишлоқлар ва боғларга югуриб, ғорат ва торож қилиб, мусулмонларга кўп озор ва заҳмат етказиб, мол-ҳолларини тортиб олар ва ўз эҳтиёжлари учун ишлатар эдилар. Шу аснода ёғийларнинг раислари Шодмонхўжа, Алиқули, Бекмуҳаммад, Фўлодбий ва бошқалар маслаҳат қилиб, яна бир ҳийла ўйлаб топдилар ва Жарқинбой исмли бир кишини Бобобек *додхоҳ* олдига Қирғизсой томондан Хўқанд давлатхонаси тузини еб турганлар жумласидан бўлмиш Исфара²⁰⁶⁰ ва Чоркух²⁰⁶¹ ноҳияларига босқин-чопқин қилиш учун юбориб, иғво ва кутқу қилиб, фақат нодонларни алдаш мумкин бўлган ваъдалар билан тўғри йўлдан оздирдилар. Бобобек бу ёлғон сўзлардан мағрурланиб, юзини кўзғолон ва исёну фитна сари қаратди ва бебош, ёмон кишилардан бир

²⁰⁵⁷ Рашидон/Риштон– Фарғона вилояти Риштон туманидаги шаҳар (1977 й.дан). Туманнинг маъмурий маркази. Вилоятнинг ғарбида, Сўх дарёсининг ўнг соҳилида, Қўқон-Фарғона автомобиль йўли ёқасида жойлашган. XVIII асрда мустақкам қалъа бўлган.

²⁰⁵⁸ Асарнинг аксар жойларида раис, бу бошлик, раҳбар сифатида келган.

²⁰⁵⁹ Ахсикат/Ахсикент – Наманган вилояти, Наманган туманида жойлашган Шаханд қишлоғидаги харобалар шу Ахси(кент)га тегишли. Фарғона водийсининг қадимги пойтахти.

²⁰⁶⁰ Исфара – ҳозир Тожикистонда ноҳия маркази.

²⁰⁶¹ Чоркух қалъаси/Чаҳоркух – Исфаранинг шарқий-жанубида жойлашган жой.

қанчасини йиғиб, Исфара ва Чоркуҳ мусулмонларига озору заҳмат бериб, бозор халқининг бордикелдисиға монё бўлиб, йўлтўсарликни йўлга қўйдилар. Олийшон хон мулло Султон *додхоҳ* ва Хўжанд ҳокимини алар дафъига тайинлади. Ул шерюрак кишилар ул томонга ошиқиб, Бобобек ва фитна аҳлинининг бошлаб адаб ва таъзирини бериб, тор-мор келтиргач қароқчилар тоғ тепалари ва ғорлардан паноҳ излаб яшириндилар ва ҳар тарафга тарқаб кетдилар. Хон одамлари эса кўплаб жанг ўлжаси ва асирлар билан қайтдилар.

Ўша воқеалар бўлиб турган маҳал доимо итоатдан дам уриб юрган Малла *додхоҳ* ва Саййидбек *додхоҳ қирғиз* Шодмонхўжа, Алиқули ва бошқа фасод аҳлининг иғво ва фасодига учиб, фитна учун қанот чиқариб, бадавий *қирғиз* қавмларидан бир неча минг киши йиғиб, Сўх қалъасини камал қилдилар. Хўжабек *эшик огоси тожик* ул фирқани йўқ қилиш учун отланиб, бу воқеадан пойтахтга ахбор етказди. Жаноб хон тезликда Ниёзали *парвоначини* уларни йўқ қилиш учун катта қўшин билан жўнатди. Ниёзали *парвоначи* фитна аҳли устига юриб, катта жанг қилиб, ул фирқадан кўпини ўлдириб, уларнинг эътиборли кишиларидан юз нафар кишини асир олиб, //279^а ул қавмнинг қолганларини саргардон ва паришон ҳар тарафга қочоқ қилиб, ул навоҳига осойишталик бергач эсон-омон қайтиб келди.

Шу воқеалар асносида туғён аҳлининг раислари Шодмонхўжа, Алиқули ва бошқалар Тошқаро исмли бир кишини Тошканд томонга юбориб, Тошканд атрофидаги бадавийларга қуйидаги сўзлар ёзилган мактубни йўлладилар: «*Қипчоқ* ва *қирғиз*, *қозоқ* ва *қорақалпоқ* барча *санчиқли* ва бошқа улус ва қабилалар ҳаммамиз бир хоназод ва биродарлармиз, бизнинг соҳибимиз Шаҳруххон «агар мамлакатни қўлга кирса, ҳар бир қабилла ва бадавия раисини юксак мансаблар ва яхши маошлар билан баҳрамнд қиламан» дея ваъда берган. Сизлардан умид шуким, ўз қабилла ва тойифангизнинг чаққон ёшларини йиғиб, қўлингиздан қандай хийла ва тадбир келса ишга солинг-да, Тошкандни қўлга киритинг ва ул томоннинг қишлоқларини ғорат ва торож қилиб, ўз гуруҳ ва фирқаларингизнинг яроқ-асбоб ва озиқ-овқат захирасини шундан таъмин этинг». Бу пайғом Тошканд атрофидаги қабилла ва бадавийларга етгач, унда айтилган яғмо ва ғорат сўзини эшитган заҳоти бадавия тойифасининг табиати томири ва йиртқиқчилик ҳис-туйғуси жўшиб, қарға ва зоғлар каби оз фурсатда бир ерга йиғилдилар. **Шеър:**

Ба сар хар, фил пайкар, дев ҳайбат, каркадан гардан,
Шутурлаб, ғул манзар, хук дандон, хирс нишон.
[Эшак калла, фил гавда, дев ҳайбат, каркидон бўйин,
Туя лабли, дев кўринишли, тўнғиз тиш, айиқ аломат].

Кўпириб-тошиб, Тошканд қамалига киришиб, ул музофотнинг қишлоқларини торож ва яғмо, кулфат ва меҳнатга дучор қилдилар. Бу ҳодисаларнинг ахборти хоннинг шариф қулоғига етишиб, дарҳол Тошканд ва Туркистон ҳукуматини ўз укаси Султон Муродбекка топшириб, унга *нойиб* сифатида Дўстмуҳаммад *додхоҳ қароқалпоқ*ни кўп аскар билан ул ҳодисани бостириш учун Тошканд ва Туркистонга юборди. Дўстмуҳаммад *додхоҳ* шошилинич қаноти билан келиб Тошкандга кирди. Бир неча кундан сўнг Бешёғоч рукнининг Йўлдошбой деган қалонтари бадавийлардан пора олиб, Камолон дарвозасини бадавийларга очиб берди. Ул исёнчи фирқа шу тарафдан шаҳарга кириб, Жанг ариғи қирғоғигача етган пайти бундан Дўстмуҳаммад *додхоҳ* хабар топиб, амирлик қасридан шу томонга юрди. Сағбон ва Кўкча рукни раияти ва Себзор, Шайховандтахур рукнлари халқи ҳам Дўстмуҳаммад *додхоҳ* *нойиб*га ёрдам бериш учун Жангоб сари ошиқиб, ул фиску фужур ёвни узлуксиз ҳамлалар билан ўлдириб ва тарқатиб юбориб, кўп асир қўлга киритиб, шаҳардан ҳайдаб чиқардилар. Пора эвазига диёнатсиз фирқанининг шаҳарга кириши учун йўл очиб берган *калонтар*, яъни Йўлдошбекни ҳам бадавийларга қўшиб ўлдиришди ва шаҳар халқи унинг ҳамда қариндошларининг уйини талаб, ёндириб, қилмишига яраша жазо берди.

Енгилган бадавийлар шаҳардан қочиб чиқиб, Исмоил Ото мазоригача ҳеч ерда тўхтаб тура олмай, ўша мавзедагина қўш ташлаб, ўз улус ва қабиласига бир қосидни юбориб, яна бир ерга йиғилишга уриндилар. Ҳукумат *нойиб*и Дўстмуҳаммад *додхоҳ* бу воқеадан хабар топиб, //279^б ўз қўшини ичидан беш юз нафар жангчи кишини танлаб қош қораймасдан Тошканд шаҳридан ташқари чиқиб, тонг маҳали ўн минг нафардан зиёд бўлиб йиғилган ул золим фосиф фирқа устига тўсатдан етиб келиб, уларга қилич солиб, жангга кирдилар То куннинг ярмигача ул тойифадан жуда кўчилиги ҳалокат хокига йиқилиб ва бир қанчалари асир бўлиб, қолган бадавийлар эса ҳар томонга тарқалиб кетдилар. Дўстмуҳаммад *додхоҳ* тўла обрў билан шаҳарга кириб, битта хушхабар хатини ёздириб, ишончли қосид билан амирлик уйи Хўқандга юборди. Бу қувончли хабар жаноб хоннинг қулоғига етгач, Дўстмуҳаммад *додхоҳ*ни *парвоначи* мансаби ва қимматбаҳо тошлар билан безанган мурассаъ қилич билан сарафроз қилиб ўз олдига чақириб, ... Али *додхоҳ* ва Шерали бойни вақтинча Тошканд

хукумати нойиблигига тайинлади. Дўстмуҳаммад *парвоначи* амирлик уйи Хўқандга келиб, хоннинг кўлини ўпиш шарафига мушарраф бўлди.

Илгари ёзиб ўтганимиздек, Саримсоқбий ва Мингбой Намангон атрофидаги бадавия тойифасини Намангон, Чуст ва Чаҳортоқ шаҳарларининг қамалига буюрган эдилар. Шу аснода Дўстмуҳаммад *парвоначи* ва Муҳаммад Назарбек *додхоҳ* катта кўшин билан ул фирқани йўқ қилишга тайинланди. Улар амирлик уйдан ул тарафга бориб, *қипчоқ* ва *қирғиз*га шикаст бериб, кўпини ўлдириб ва неча юз нафарини асир олдилар. Саримсоқбий ва Мингбой ул бало гирдобидан неча бир машаққатлар ичида фасод аҳлидан оз сонли бир гуруҳ билан кутулиб, //280^a Мингбой Андижон томонга кетиб, фиску фужур аҳли раисларига кўшилди. Саримсоқбий Чатқал тоғлари ичида паноҳ топди. Дўстмуҳаммад *парвоначи* асирларни пойтахтга жўнатиб, Муҳаммад Назарбекни Намангонни назорат қилиш ва ҳукумат ишлари учун кўйиб, ўзи Балиқчи томонга юзланди. Балиқчидан ўтиб, фасод аҳли ул ҳудудга талон-торож учун келиб-кедиб юрадиган йўлни олди ва Чинобод қишлоғи даштида ул фирқа билан тўқнашув юз бериб, бир неча соат уруш бўлиб, шикаст аҳли фасод тарафга тушиб қочиш сари юз тутдилар ва кўп асир, вофира ғаноим феруз асар лашкар кўлига кирди. Тўла ғалаба билан Балиқчи шаҳрига кирдилар. Фужур аҳли Эска томон кетиб, улар ҳам қароқчилар бошлиқларига кўшилдилар. Фасод фирқасидан ва йўлтўсарлардан Тофиболди исмли ёмон хислатли бир киши Учқўрғон қасабасига ғорат учун келган бўлиб, Марғинон ҳукумати нойиби Муҳаммад Аюб *додхоҳ* Марғинон сипоҳидан катта бир отряд билан ўша ерга бориб, ул ғаддор фирқанинг турмушидан димор чиқариб, тўрт юз асир олиб, кўпчилигини қатлга етқариб, ул ҳудуд мусулмонларини ул тойифанинг зулм ва жавридан халос қилди. Фасод аҳлининг раислари Шаҳрухон номли йигитни ўз амири қилиб сайлаб, унинг насабини Фарғона хонлари сулоласига олиб бориб тақардилар. Аммо фасод ва бадавия аҳлининг айрим кекса ёшдаги кишилари бу маънини қабул қилмай, унинг хонлигига кўнмай, «сизлар бундай нисбатни берганингиз билан Фарғона хонлари орасида бу йигитнинг силсиласи номи мавжуд эмас. Лозим иш шуки, насаби тўғри ва ойдин бир кишини хонликка сайлайлик. Йўқса айрим қабила ва йиғинимиз тезда тарқалиб кетади» дердилар. Фасод аҳлининг Шодмонхўжа, Алиқули каби ва бошқалар бу мазмундан огоҳ бўлгач, саҳиҳ ул-насаб бир хонзодани топиш ҳаракатига тушдилар. Шохмуродхон султон ва Саъдбек ва бошқа хонзодалар Худоёрхон ҳузурида бўлгани учун уларни кўлга киритишнинг имкони йўқ эди. Шу сабабли ишончли бир кишини бир неча ёрдамчи билан бирга Бухоро амири Насруллоҳхон Хўқандни истило қилган пайти Муҳаммадалихоннинг айрим мулозимлари Хоразм тарафга олиб кетиб қолган Қаландарбек ибн Муҳаммадалихонни //280^b олиб келиш учун Урганжга шу хонзода олдига юбордилар. Элчилар ул томонга бориб, Қаландарбекни ёнларига солиб, урганжлик савдогарлар суратида Туркистондан олиб ўтиб, Қурама ноҳиясига етказдилар. Шу ерда уларга Хўжамурод исмли *панжохбоши*²⁰⁶² уч нафар мулозими билан дуч келди. Ул одамларнинг эриш туюладиган ҳолатини кўрган Хўжамуроднинг кўнгли шубҳага бориб «қаердан келаяпсизлар ва қаерга кетаяпсизлар» дея сўради. *Қипчоқ*лар пойинтар-сойинтар сўзлар билан жавоб бериб, Хўжамуродни ушлашни кўнглига тугдилар. Хўжамурод бу нотаниш одамларнинг ниятини англади, аммо *қипчоқ*лар сони йигирма нафардан ортиқ бўлгани сабабли жангни маъқул кўрмай, ҳийла-найранг билан ўзини нотаниш кишилар даврасидан четга олди ва тоғли Кандир йўли билан Шаҳидон қишлоғи томонга ошиқиб, у ердан ўтган кўйи Уйғур қишлоғига бориб, у ернинг *қаровули* Абдуллоҳ *тўқсоба*га «бир неча киши юриш-туриши одамни гумонга соладиган ҳолатда ва урганжлик савдогарлар кийимида келмоқда эдилар. Мен улардан ҳол-аҳвол сўрасам, ниятлари бузилиб, мени ушламоқчи бўлишди. Бу ҳақда хабар берай, чунки уларнинг бу аҳволи ҳийла ва шубҳадан холи эмас, дея улардан олдинроқ бу ерга етиб келдим» деди. Абдуллоҳ *тўқсоба* Хўжамурод *панжохбоши*дан бу хабарни эшитган заҳоти эллик нафар сипоҳ ва ул навоҳининг бир гуруҳ аҳолиси билан ул атроф йўлларини эгаллаб, назорат остига олди. Эртаси куни ул гумроҳ жамоа одам билмас йўлдан ўтиб келишаркан, Хўжамурод баҳодир йигирма беш нафар сипоҳ ва раиятдан эллик киши билан отлик ва пиёда уларнинг йўлини тўсиб чиқиб «бу мавзе ва тарафнинг посбони Абдуллоҳ *тўқсоба* сизлардан бир нечта хабарни сўраб ва савол бериб билиб олмоқчилар. Шундан сўнг қаерга хоҳласангиз кетаверасизлар. Унинг рухсатисиз эса бу ноҳиядан ўтиш мумкин эмас» деди. Ул гумроҳ жамоа эса бирор жавоб бермай, йўл посбонлари сари туфангдан ўқ отдилар. Хўжамурод ҳам ул жамоа билан аста-секин жангга киришаркан, битта одамни Абдуллоҳ *тўқсоба* олдига жўнатиб, воқеадан хабардор қилди. Абдуллоҳ *тўқсоба* етиб келиб, Уйғур қишлоғининг каттароқларидан бир кишини ул жамоа олдига юбориб, у орқали ушбу фикрини билдирди: «Беҳудага ўз қонларингни тўкиш учун уринманглар. //281^a Чунки сизлардан бор-

²⁰⁶² Панжохбоши – элликбоши. Эллик нафардан иборат ҳарбий бўлинманинг кумондони.

йўғи икки-уч оғиз сўз сўрамоқчиман, холос. Бошқа бирон тафтиш ёки текшириш билан ҳеч қандай ишим йўқ, бу каби нарсалар менинг ваколатим доирасига кирмайди. Агар бўйсунмай, қаршилик ва итоатсизлик кўрсатсангиз, ноилож сизлар билан давлат душманлари ва жосусларга қилинадиган муомалани қилишга мажбурман. Унда уруш қилиш ва куч ишлатиш лозим бўлади. Сизларнинг менинг қўлимдан итоат этмасдан қутулиб кетишингизнинг бошқа ҳеч иложи йўқ». Вакил ул жамоага яқин бориб, баланд овозда ана шу хабарни етказар экан, ул жамоа томонидан туфанг овозидан бошқа жавоб келмади. Абдуллоҳ *тўқсоба* бу аҳволни кўриб, пиёдалар ва отлиқлар билан ул жамоанинг теварак-атрофини доира шаклида ўраб олиб, тағин насихат қилди:

– Ҳозирок ўқ отар қурол ва қиличингизни ташлаб, ҳузуримга келинг. Сизлардан айрим сўрайдиган саволларим бор, шуларга жавоб олсам бўлди, бошқа ҳеч ишим йўқ. **Байт:**

Ман на онам ки сар аз хати вафо бар дорам,
Гарчи созанд жудо чун қалам банд аз бандам.
[Мен вафо чизифидан бош товловчи эмасман,
Қамишдек банд-бандимдан жуда қилсалар ҳам].

Агар дўст бўлсангиз, дўстлардек муомала қиламан. Агар душман бўлсангиз, пойтахтга жўнатаман ва ўша ерда сизларни сўроқ қилиб, ҳақиқатни ойдинлаштириб оладилар». Йўлини йўқотган ул жамоа насихатчининг сўзига қулоқ осмай, ўз туфангларини Абдуллоҳ *тўқсоба* фавжи тарафга тўғирлаб, ўт очишга тушдилар. Абдуллоҳ *тўқсоба* «биз ўз насихатимизни қилдик, энди буёғига ўз гуноҳлари ўзлари бўйнида» дея, туфангдозлар ва одамларига сўзга кирмаганларга қарши жанг қилишга рухсат берди. Оз вақт ичида ул жамоадан ўн саккиз кишини ўлдириб, беш нафарини тирик ва ярадор ҳолатда қўлга туширдилар. Аммо улардан қанчалик сўз сўрашмасин, ҳеч қандай жавоб эшитмадилар. Эғнидаги кийим-кечак ва бисоту халталарини титкилаб, улардан бирининг чўнтагидан фитна аҳли раислари мактубларини топдилар ва диққат билан ўқиб чиқсалар, бу гуруҳнинг Хоразмдан хонзода Қаландарбекни келтириб, фитна аҳли раислари олдига элтиб топширажаклари маълум бўлди. Абдуллоҳбек қўлга тушган бешта кишидан «ичингизда хонзода қайси бирингиз?» дея сўради. Тағин жим тураверишди. Ноилож калтак ишлатилгач, бу беш нафар кишидан ҳеч бири хонзода бўлмай, балки ўлганлар орасида эканига иқрор бўлдилар. Хўжамуродни ўликлар устига юбориб, хонзоданинг аломатларини изладилар. Улар орасида эғнига қимматбаҳо кийимлар кийган бир ёш йигитнинг қўлидаги узукка //281^б «Қаландарбек ибн Муҳаммадалихон» деган исм сўзлари ўйиб ёзилган бўлиб, шундан унинг хонзода экани англашинилди ва хонзоданинг ўлик гавдасини кўтариб, четга қўйдилар. Сўнг жаноза намозини ўқиб, дафн қилдилар. Узукни ва ҳалиги бешта асирни Хўжамуродга қўшиб, пойтахт Хўқандга хон ҳузурига юбордилар. Хўжамурод *эллиқбоши* хон ҳузурини исёнчилардан бештаси тирик қўлга тушгани, бошқаларнинг жангда ҳалок бўлгани, хонзодани эса тириклай қўлга олишнинг иложи бўлмагани борасидаги воқеа тафсилотини арзга етказди. Бу воқеа бир минг икки юз етмиш тўққизинчи йил ражаб ойи бошида²⁰⁶³ рўй берди. Ўша пайтда ёғийлар ва бузғунчилар қайси ноҳия ва қай бир даргоҳдан бош кўтариб чиқсалар, қилмишига яраша жазо олиб, янчиб ташланиб, мағлуб қилиндилар ва бу гапларнинг бир қисмини юқорида қисқача тарзда айтиб ўтган эдик. Шу сабабли кўчманчи *қирғиз* ва *қипчоқ* қабилаларнинг кўпчилиги бошлиқ ва катталари Шодмонхўжа ва Алиқули ҳамда бадбахтларнинг бошқа раислари олдига йиғилиб бориб, «сизларнинг фитна ва ёғийлигингиз касофатидан шаҳарликнинг ҳам, бадавий халқнинг ҳам кўпи ўлиб кетди ва мамлакат вайроналик сари юз тутди. Энди сизлар бу бепоён оламнинг бир бурчагига бош олиб кетинг, токим алданганлар ўз валинеъмат хони билан сулҳ тузиб ярашсин ва халойиқнинг жони ва моли бундан кейин сизларнинг қўзғолон ва фитнангиздан нобуд ва зое бўлмасин. Биз сизларни банд қилиб, хон қўлига топширмаймиз. Чунки бундай қилсак, бадавий қабилалар ўртасида биздан ёмон от ва иснод мангуга ёдгор бўлиб қолади. Қаранг-га, тағин сизлар насаби номаълум бир кишини хон ва ҳукмдор қилиб танладингиз. Ахир унинг қайси хонзода авлодидан эканини ҳеч ким билмайди-ку!»

Исёнчи ва фасод аҳли раислари қабилаларидан бу сўзларни эшитгач ялиниб-ёлвориш ва тавба-тазарру билан ўзларини қабилаларнинг калтонларининг оёқлари остига ташлаб, дедилар: - Биз кўчманчи халқларнинг ор-номусини сақлаш жиҳатидан бу бало ва кулфатларни ўз бошимиз ва бўйнимизга олганимиз сабабли хонлар авлодидан биттасини ёш бўлишига қарамай, хонлик тахтига чиқариб, мамлакатни бошқариш ихтиёри жиловини эса ўз қўлимиз ихтиёрида бўлишини истадик. //282^а Агар Худоёрхонга итоат қилсак, Маллахоннинг хунини биздан талаб қилиб, кўп ўтмай биз ва сизнинг ҳаётимиз кулини кўкка совириши аниқ. Шунингдек, бизнинг биродар ва туққанларимиз бўлмиш бадавия қабилалари билан Худоёрхон ўртасида хусумат воқеа бўлган. Демак, унга қарам

²⁰⁶³ 1862 йил 2 январь.

бўлишимиз ҳеч жиҳатдан оқилона иш бўла олмайди. Анча вақт сабр қилдингиз, эндиликда яна озгина чиданглар. Биз эса Маллахон авлодидан биттасини қўлга киритиб, хонлик тахтига ўтқазайлик. Шояд содир қилган хато ва исёнимиздан қора бўлган юзимизни шу орқали Маллахоннинг фарзанди ҳузурида қиёмат куни ювсак».

Шодмонхўжа ва Алиқули ўта кетган алдоқчи ва фирибгар киши эдилар. Бу гапларни айтгач, дарҳол ул келган калонтарлар эгнига қиммат баҳо либослар кийгиздилар ва ҳар бирига чиройли эгар-жабдуқлик яхши отлар бериб, тавалло ва ниёз ажзини қилиб, ул аҳмоқларни мол билан алдадилар. Калонтарлар ўз уйларига қайтиб кетди. Бу иккала доғули бундан сал олдин Қаландарбек ибн Муҳаммадалихон шаҳид уларнинг юборган одамлари билан Хоразмдан келиб, Уйғур навоҳисига етишганда ўлдирилганини эшитгач эса каззоб мутассавуфадан биттасини топиб, ёлғон ваъдалар ва мол билан йўлдан уриб, бир аҳднома ёзиб, шаҳид Маллахоннинг куёви Саййид Маҳмуд тўра номига юбордилар. Аҳдноманинг мазмуни шундай эди: «Бизлар ўзимизнинг ёмон қилмишимиздан пушаймон ва надомат қиламиз ва биздан содир бўлган ул ноҳақ хон тўкиш ва хато ишлар сабабли бу дунё ва охиратда юзи қаро бўлдик. Энди тавба ва кечирим билан юзланиб, бу дунё ва охират бадномлигини ўз қонимизни шаҳид Маллахоннинг азиз фарзанди узангиси остида тўкиб, нисор қилиш билан ювишни истаймиз. Ул марҳумнинг фарзанди ва Сиз эса васийси ўрнида бизнинг узримизни қабул қилинг ва жаннатмакон Маллахоннинг фарзандларидан бирини олдимизга юборингким, уни шоҳлик ва ҳукмронлик тахтига ўтқазиб, ички душманни йўқотганимиздан сўнг //282^b фатҳ оятли байроқ остида рус насронийлари билан урушайлик, Сиз эса ул фирдавсмаконнинг шаръий васийси бўлганингиз туфайли ул ҳукмдорнинг вазири аъзами бўлиб, бизнинг мол-мулк ва ерларимиз борасидаги қандай ҳукмингиз бўлса муҳр қилсангиз ихлос ва итоатдан бўйин товламасмиз. Шу аҳду паймонимизни акс эттирган мазкур Аҳдномага қуръони мажид тагида туриб узук-муҳрларимизни босдик. Бу сўзларни элтувчи киши Ҳамид шайх Аббос шу ишимизда ҳозир нозир эдилар. Нимани кўрган ва эшитган бўлсалар, ҳузурингизда айтадилар ва у тўғрилиқдан иборатдир». Қалбаки шайхлардан яна бирини эса шундай аҳдномани қўлига тутқазиб, Мирзо Аҳмад *қўшунбеги*²⁰⁶⁴ олдига юбордилар. Уларнинг ҳар иккаласи иш бўйича душман ва фисқу фужур раислари олдидан чиқиб кетгач, аввал шайх Аббос қуръони мажид тагида ёзилиб имзоланган аҳдномани саййид Маҳмуд тўрага етказди. Шаҳид Маллахоннинг ўғлининг вазири аъзамлик мансаби ваъдаси тўранинг қулоғига етишгач, диёнат ва инсоф тизгинини қўлидан чиқариб, Худоёрхон билан қилган аҳд ва байатини бутунлай унутиб, тўққиз яшар Сулаймон Саидбек ибн Маллахон шаҳидни бедана овлаш баҳонасида шаҳардан ташқари чиқариб, мулозимларидан бир фавжи ҳамроҳлигида хонзодани Асака тарафга исёнчилар ҳузурига олиб борди. Шунинг эртасига Худоёрхонга бу ходисанинг хабари маълум бўлиб, улар кетидан бир неча фавж сипоҳ юборди ва бу фавжлар то Қува қасабасигача таъқиб қилиб бориб, аммо улар орқасидан ета олмадилар. **Байт:**

Замона зи неку бад обистан аст,
Ситора гаҳе дўст, гаҳе душман аст.
[Замона қорнида яхши-ю ёмон ҳомила бор,
Юлдуз гоҳ дўст, гоҳида душманлик қилади].

Алқисса Худоёрхон шу вақтда Мирзо Аҳмад *қўшунбеги* ва мулло Султон *парвоначини* катта кўшин билан ёғий аҳлини йўқотиш учун юборди. Улар Марғинонга келгач, ул ҳийлагар муташшайих Мирзо Аҳмад *қўшунбеги* номига ёзилган иккинчи аҳдномани //283^a хуфия ерда унинг қўлига берди. Мирзо Аҳмад «Худоёрхон мени уларга қарши урушга юборган. Агар Шодмонхўжа ва Алиқулига юзма-юз учрашиб айтмоқчи бўлган шартларимни қабул қилсалар, мен уларга ёрдам кўрсатаман. Эндиликда мен бир неча кун кассаллик баҳонаси билан Марғинонда яшаб тураман. Уларга айт, ҳеч кўркмай ва ҳайқмай келиб, Марғинонни қамал қилсинлар. Шунда мен улар билан учрашиб, аҳдлашаман» деди ва шу мазмунда хат ҳам ёзиб юборди. Ул динсиз муташшайих Шодмонхўжа ва Алиқули ва бадбахтларнинг бошқа бошлиқлари олдига келиб, мактубни етказиб, бўлиб ўтган воқеани маълум қилди. Шу аснода Мирзо Аҳмад ўзини Марғинон шаҳарчасида ҳийла йўли билан касал қилиб кўрсатиб, шу баҳона билан истироҳат тўшагида ором олди ва унинг бу найранг ва хиёнатдан ғофил ва беҳабар бўлган мулло Султон *парвоначига* «сабр қилинглар, мен тузалиб кетгач ҳаммамиз катта йиғноқ билан душманга қарши урушга борсак тўғрироқ бўлади» деди. Шу аҳвол асносида фитна аҳли раислари атрофдаги тойифалар катталарига қосидлар юбориб чақириб, ул атрофнинг бадавия тойифалари катталари билан биргаликда Султон Саидбек ибн Маллахонга байат қилиб, тўққиз ёшида ўзларининг ҳукумати тахтига чиқардилар. Насаби номаълум Шаҳрухбекни эса қатлга еткардилар. Бу

²⁰⁶⁴ Қўшунбеги/қўшбеги – қўш, қўшун қумондони, амири лашкар.

йиғинда қатнашмаган бошқа қабилалар калонтарларига хушхабар ва либос ва зариф матолар юбориб, Султон Саидбекнинг байатига даъват қилиб, чиройли ваъдалар бердилар. Хуллас, атрофнинг бадавия қабилаларининг аксарият катталари ҳукумат ва амирликка Султон Саидбек²⁰⁶⁵ ибн хони шаҳид Маллабек тайинланиши борасида рози бўлиб, молу одам билан ёрдам қилдилар. Султон Саидбекнинг хон кўтарилгани тўйдан фориғ бўлгач, диёнатсиз кўрнамак Мирзо Аҳмад *қўшунбегининг* ваъдасига биноан Марғионни қамал қилиш учун келдилар ва яширин жойда Мирзо Аҳмад ва ёғийларнинг раислари ўртасида воситачилар борди-келди //283^б қилиб, ниҳоят Саййид Маҳмуд тўра Шодмонхўжа ва Алиқули озгина хос мулозимлари билан ул тарафдан хандақ қирғоғига келиши, Марғион шаҳри ичидан эса Мирзо Аҳмад ўз хослари билан ўша ерга бориб, ўртадаги аҳду паймон шартларини гаплашиш борасида келишиб олдилар. Шу ваъда бўйича бир кечаси ҳар икки томондан сардорлар Ёрмозор дарвозаси ёнида учрашиб, анча гаплашувлардан сўнг худонинг каломини ўртага солган кўйи қуюқ қасам ва онтлар ичиб, аҳду паймон туздилар ва Мирзо Аҳмаднинг кўнглини ишонч билан хотиржам қилиш учун унинг бир қизини Султон Саидбекка унашилди ва яна бир қизини Алиқулининг ўғли Шермуҳаммад²⁰⁶⁶ га никоҳлаб, хутба ўқилди. Бу мажлисда Мирзо Аҳмад шундай деди: «Агар мен айни ҳозирги аснода сизларга қўшилсам, албатта ишларингиз ривожланиб, тараққий топиши турган гап. Бироқ бу нарса қанчалик фойдали бўлмасин, масаланинг бошқа томони шундаки, менинг мол-давлати ва ўғилларим ва баъзи бир қариндош ва дўстларим Хўқандда қолишган. Қандай қилиб бўлмасин дастлаб уларни ўз назоратим остига олишим лозим. Қолаверса, ичкаридан туриб шундай ишлар қилиш мумкинки, уни ташқарида амалга ошириш амри маҳолдир. Хотиржам бўлаверинг, ичкаридан шундай ишлар қилайки, сизларнинг давлатингиз бахти, бошқаларнинг эса бадбахтлиги сабабчиси бўлсин. Бундай қароримнинг боиси шундаки, мен билан Худоёрхоннинг укаси Султон Муродбек иккаламизнинг ўртамаизга бир қўрқинчли адоват тушганки, ҳеч нарса билан бу жароҳат тузаладиган ва тўғирланадиган эмас. Ишончим комилки, Худоёрхон ўз укаси Султон Муродбекнинг кўнглига қараб иш қилади ва ўлса ҳам менинг ёнимни олмайди. Мен ҳеч қачон унинг укаси ўрнига ўта олмайман-да. Агар салтанат тахтида ўтирса, Султон Муродбекнинг гап-сўзига кириб, мени ўз назаридан четлатиши аниқ. Шу жиҳатдан мен сизлар билан иттифоқ қилдим. Қачон сизлар маъқул кўриб, бирон ишни қилишим борасида фикр билдирсангиз, иложини ичдан туриб топаман ва қулай фурсат, яхши бир маҳалда сизларга қўшиламан. Ҳозирча Андижонни қўлга киритмаган экансиз, сўзларимнинг тўғрилиги ва исбот-далили, аҳду паймонимнинг ростлиги ва сизларнинг кўнглингиз ишончи учун бир тадбир қиламанки, ул шаҳар сизлар томонингиздан эгалланади. Андижон шаҳрида //284^а менинг она томондан қариндош-туққанларим бор. Шу жумладан бир неча маҳалланинг калонтари ва эътиборли бойи саналмиш Ҳожи Аҳмад исмли яқин одамим ва бошқа қариндошларимга мактуб юбораман. Агар хизмат қадрини билсангиз ва унинг маслаҳатига амал қилсангиз, Андижон тезда сизнинг тасарруфингизга киради». Бу гап-сўзлар тугаб, ишлар келишиб олингач, Ҳожи Аҳмад ва бошқа қариндошлари номига бир мактуб битиб, ўз муҳри билан тасдиқлаб, Шодмонхўжанинг қўлига топширди ва «эртага Марғион устидан Андижон тарафга йўналинглари. Мен сизларнинг кетингиздан Қува қасабасига лашкар юборажакман. Жанг қилмасдан тезлик билан кетаверинглари» дея йўл-йўриқ кўрсатди.

Шу малаҳатдан сўнг бир-бири билан хайрлашиб, ўз уйларига қайтдилар. Эртаси куни Алиқули ва Шодмонхўжа кеча тунда Мирзо Аҳмад билан қилган гап-сўзларга биноан Андижон томонга йўлга тушдилар. Мирзо Аҳмад Қувагача уларнинг кетидан бир неча фавж аскар юбориб орада тўқнашув рўй бермай, қайтиб келдилар. Мирзо Аҳмад уларнинг қочгани борасида пойтахт Хўқандга хушхабар юбортириб, шу найранг билан бир неча кун пойтахт одамлари ва жаноб хонни ўзидан хурсанд ва рози қилди ва мулукона меҳрибонликларга эришди. Султон Саидбек ўзининг ҳукумати устунлари саналмиш Шодмонхўжа ва саййид Маҳмуд тўра ва Алиқули билан Марғиондан Андижон томонга келиб, қамалга киришдилар. Мирзо Аҳмаддан ўрганган хийла воситасида Мирзо Аҳмад Ҳожи Аҳмад ва бошқа қариндошларига юборган хатларни бир ишончли жосус орқали шаҳар ичкарисига жўнатдилар. Фасод аҳлининг тадбири тақдирга мувофиқ тушиб, Ҳожи Аҳмад қариндошлари ва ўзига қарашли кишилар билан посбонлиги ўзининг зиммасидаги дарвозани хиёнат йўли билан саҳар вақти улар юзи сари очиб, барча *қипчоқ* ва *қирғизия* ичкарига кирдилар. Бошқа дарвоза одамлари эса бундан ғофил қолдилар. Ҳожи Аҳмад ўзининг қариндош ва тобелари билан исёнчиларни хабарсиз //284^б Андижон сипоҳи устига бошлаб бориб, шабохун ҳамласини уюштирдилар. Андижон ҳокими Худойназар ва ўша вақтларда эндигина *понсад*бошилиқ мансабига кўтарилган Камол *ўнбоши*

²⁰⁶⁵ Султон Саййид хон – Султон Саййид Муҳаммад (1847 ёки 1852 -1868-69) номигина 1863-1865 (май)гача Қўқон хони.

²⁰⁶⁶ Мулло Шермуҳаммад мирзо – 1902 йилдан кейин вафот этган. Алиқулининг ўғли. Отаси ҳалокатидан кейин Қошғарга кетган. Понсад унвонида Яъқуббек Бадавлат хузурида хизмат қилган. 1877 йили Яъқуббек вафотидан кейин Қошғар шаҳрини бошқарган ва амири лашкар унвонида Хитойга қарши курашган.

хаёллари кўчасидан ҳам ўтмаган бу тўсатдан келган бало ва кутилмаган фитнадан юрак олдирмай, саросима ва изтиробга тушмай ҳамда кўпчилик аскарлар қалъа посбонлиги ва ниғаҳбонлиги учун қалъанинг ён-атрофига ёйилиб кетиб, ўз иши билан машғул эканига қарамай ёнида бор ва сон жиҳатдан бадбахт *қирғиз-қипчоқ*ларнинг ўндан бирича ҳам йўқ озгина аскарлари билан жанг қилиб, мардлик ва мардоналик намунасини кўрсатдилар ва фиску фужур аҳли, душман қавмдан кўпини мангу азоб-уқубат тупроқига улоқтирдилар. Шаҳар халқи ва тарқалиб кетган аскарлар гарчи ёрдамга келиб жангда кўмаклашсалар ҳам яхши қуролланган фасод аҳли ва хилоф гуруҳи сон жиҳатдан ҳам устунлик қилиб, натижада ул икки шерюрак вафодор жанг майдонида жуда кўп аскарлар ва шаҳар халқи қатори шаҳидлик даражасига етдилар. **Маснавий:**

Майли касе кун ки вафоят кунад,
Жон ҳадафи тири балоят кунад.
Жон ки аз он беҳ ба жаҳон ёр нест,
Ҳеч наарзад чу вафодор нест.
[Майл билдир вафо қилувчи одам томон,
Балоинг ўқиға қилгувчи жонини нишон.
Чун жондан яхшироқ нарса йўқ, билсанг,
Вафосиз-ла дўстлик арзимас ҳеч қачон].

Алқисса, фитна ва исён аҳли худога муте солиҳлар лашкари устидан ғолиб келиб, тўғри йўл аҳлининг қолганлари асирлик бандига гирифтор бўлиб, исёнчилар ул шаҳарни истило қилишди. Андижон ишлари тугагач, Мингбой ва Муҳаммад Назарбекни бадавия халқини йиғиш учун Намангон тарафга тайинлаб, *қирғиз-қипчоқ* халқининг шайх ва пирзодаси саналган Шодмонхўжа *қипчоқ-қирғиз* тойифаларининг манзили бўлмиш Дуоб орасига кетди. Бекмуҳаммад *қипчоқ*, Чўтан *қирғиз* ва Топиболди *қирғиз* эса Ўш, Аравон ва Олойнинг бадавия тойифаси элчилигига тайин бўлдилар. Улар манзилу мақсадга етишиб, Андижон ва унга қарашли ерларнинг қўлга киргани хушxabарини етказдилар ва бадавия тойифаларнинг калонтарларига Султон Саидбек ибн шаҳид Маллахони тарафидан юборилган тухфа ва ришваларни бериб, улардан ҳар бирига тайин этилган мансабларнинг ёрлиқларини топшириб, ёрдам ва кўмакка даъват қилдилар. Бадавия қабилаларининг калонтарлари Маллахоннинг ўғлига байат қилиб, ҳар тойифадан йигитлардан ташкил топган биттадан фавжни //285^a кўмак учун тайин қилиб, уч ой фурсатда Султон Саидбек ибн Маллахон мархумий сипоҳининг сони қирқ мингдан ўтиб, ваъда бўйича келишилган мавзе бўлмиш Андижонда йиғилиб турдилар. Исёнчиларнинг раислари Саййид Маҳмуд юз, Алиқули, Шодмонхўжа, Бекмуҳаммад, Назарбек, Мингбой, Чўтан ва Фўлодбий йиғин мажлисида шундай қарор қилдилар: Бул чексиз сонли гуруҳнинг тирикчилик ва чиқимлари учун Андижон бойларидан Худоёрхон лашкарига ёрий ва мадад қилганлардан молия ва пул жазосини талаб қилиб, бу маслаҳат учун шаҳар ташқарисида боргоҳ ва чодирлар тиклаб, Султон Саидбекни ўша ерга олиб борайлик. Бадавия сипоҳининг қавм ва гуруҳлари ҳам ул чодир атрофида ўрнашсинлар.

Ҳақиқатдан ҳам бир неча кундан сўнг Андижоннинг барча ашроф ва аъён ва бойларини зиёфат баҳонасида мазкур жойга чақирдилар. Ул бечоралар муроса ва мадоро юзасидан Султон Саидбек хузурига боргач, филҳол уларни лашкаргоҳ ўртасида маҳбус қилиб, исёнчиларнинг ўтган саҳифада номларини тилга олганимиз раислари Андижон аъёнларига «хон ва амиримиз Султон Саид ибн Маллахон буюрадиларким, Андижон аҳолиси анчадан буён амакимиз Худоёрхоннинг лашкарига ёрдам ва ёрмандликни дариф тутмай юришибди. Энди лозимким, бизнинг гуруҳ ва элатлар хайлига ҳам мол ва пул билан мадад қилсангиз» дедилар. Бу маънини эшитгач, Андижоннинг аъён ва бойлари «биз хонзодадан мону пулни дариф тутмаймиз Лекин бу ерга беҳабар ва тараддудсиз келдик. Агар бизга шаҳар ичкарисида бу муддаони билдирганингизда эди ишга киришиб, нима топсак хонзода ва унинг ҳукумати устунлари хузурига пешкаш ва ҳадя йўсини билан келтирардик. Энди ватан ва уйларимиз сари рухсат берсалар, //285^b бориб ҳадя корсозлиги ва саранжомини бажо келтириб, хузурингизга етказамиз» дея жавоб бердилар. Исён аҳлининг раислари эса «биз ва сизнинг хонимиз ватан ва уйларингизга қайтишга рухсат бермайдилар. Сизларни гаров сифатида шу ерда ушлаб турадилар. Қариндош ва дўстларингиз мол ва пул келтириб топшириб, сизларни қутқармагунча сизларни кўйиб юбормайдилар» дейишди.

Алқисса Андижон халқи бу сирни эшитиб, ул мазлумлар вужудидан тутун чиқиб, йиғи-сиғи ва оҳу зорлик қилиб, қариндош ва дўстларига илтижономалар ёзиб, ўқиб-ўрганиб чиқиш учун исёнчилар ҳукуматининг устунлари назарига ҳавола қилдилар. Мактуб фитна аҳли бошлиқларига маъкул бўлгач, *қипчоқ*лар ва пул ундирувчи муҳассиллар орқали Андижон ичкарисига юбориб, олтин талаб қилдилар. Шу ҳийла билан Андижоннинг бой одамларидан амвол ва кўп пул ундиргачгина

Андижоннинг кўп аён ва бойларига уйларига кетиш учун рухсат берилди. Аммо улар орасидан эллик нафар энг бойроқ кишиларни сайлаб олиб ушлаб, Худоёрхонга давлатхоҳлик тухмати ва *қипчоқ* ва *қирғиз* душмани бўхтони билан азоб бериб, қийноқларга солиб, бу ситамдийдаларнинг кўлида не бойлик ва сармоя бўлса, ҳаммасини тортиб олиб, зулм етганлар эса бу такаббурларга садақа сифатида мол ва ашёдан воз кечиб, ўз жонларининг омон қолганидан хурсанд бўлиб, озод бўлдилар. Бу каби ярамас муомала ва зўравонлик билан бировнинг молини тортиб олиш ишлари Андижон атрофидаги қасаба ва қишлоқлар, Балиқчи, Қуво, Асака, Шаҳрихон, Ўш, Пойтуғ ва бошқа ерлар бойларига нисбатан ҳам амалга ошиб, чексиз ва фаровон мол ва нақд пул қалбаки ҳукумат эгалари кўлига ўтиб, ул ноинсоф ҳожи, яъни Ҳожи Аҳмад ва исёнчилар уларнинг хиёнати сабабли Андижон шаҳрини истило қилган ҳожининг қариндошларини Андижоннинг божу хирожига мутасадди ва саркор ҳамда *қипчоқ*лардан биттасини бир фавж билан шаҳарнинг *кутволлигига* тайин қилгач, //286^б қабилалар гуруҳлари Андижондан Асака қасабасига кетдилар. Бир неча кундан сўнг, аниқроғи 1279 йилнинг йигирма биринчи шаъбонида катта йиғин ҳайъати билан Марғионни қамал қилишга ошиқдилар ва Коин шаҳри ташқарисидаги қадамжо мазор саналмиш Ҳазрат Маоз Жабаллий мавзеси исёнчи аймақ ва фирқасининг тушиш жойига айланиб, бир неча муддат қамалга жадду жаҳд қилдилар. Диёнат шиорли ва вафодорлик йўлида замон ягонаси бўлмиш Мулло Султон *қўшунбеги* мудофаа ва қалъадорликка имкон борича сайъ-ҳаракат қилди. Бир куни муҳосира асносида Марғион сипоҳидан уч минг кишини сайлаб олиб, уч қисмга бўлиб, мунофиқ Мирзо Аҳмад *қўшунбеги*га қараб «Қачонгача хотинларга ўхшаб тўрт девор ичидаги истироҳат тўшагида ухлаб ётамиз. Ҳозир мана бу сипоҳ билан тонгда кун ёришмай, душман қалбига босқин қилайлик. Сиз эса бизнинг орқамиздан мадад кучини юборишингиз лозим. Шу бугун душман ишини бир ёқлик қилайлик ва мардоналик билан давлат тузини ҳалоллаб, мард деган номни рўзгор саҳфасида ёдгор қолдирайлик» деди. Замон шижоатлилари юрагидаги бу сўзларни назм тили қуйидагича юзага чиқаради. **Назм:**

Марг дар чашми ҳар ки хор бувад,
Дар шижоат бузургвор бувад.
Ҳар ки жонро азиз медорад,
Бо сипаҳдорияш чи кор бувад.
Чун жуз он касе ки роҳат хост,
Назди мардумон кай эътибор бувад.
[Кимнинг кўзига ўлим хор бўлур,
Ул одам шижоатда улуғвор бўлур.
Ким ўз жонини азиз тутса, агар,
Унинг ҳарбийлиги бекор бўлур.
Кампирдек роҳат истаган киши,
Халқ наздида беътибор бўлур].

Ул шермард бу сўзларни тилга олгач, Мирзо Аҳмад нифоқ тариқи билан офаринлар айтиб, унинг изидан кетма-кет кўмак етказиши ва ўзи ҳам бошқа йўлдан ташқари чиқиб, душман орқасидан ҳамла ва югуриш йўсинини бажо келтириши борасида ваъда берди ҳамда ул фарзона ботирнинг назарича ёлғондакамига сипоҳни ораста қилиб, қалъа дарвозаси яқинида тайёр қилиб қўйди. Мулло Султон бу ишдан хотиржам бўлиб, ўша уч фавжга тақсим қилинган уч минг марди жаррор билан шаҳар дарвозасидан ташқари чиқиб, сел сувидек ялтироқ қиличларни яланғочлаб, душманлар сафи сари югурдилар. Ҳамланнинг биринчисида душманнинг муқаддимасини ўрнидан олиб ташлаб, //286^б уларнинг қонидан ерни лолагун қилиб, қалбга етиб ва Султон Саидбек, Алиқули мақоми бўлмиш қалб қисмига ташланиб, ўткир қилични уларга уриб, қалб сафларининг туриши бузилиб, ўз қароргоҳигача орқага суриб ташладилар. Исёнчилар кўшинининг ўнг кўлига бошлиқ бўлмиш Мингбой ва Бекмуҳаммад бу ҳолни кўриб, қалбга ёрдамга етиб, мулло Султон баҳодирнинг йўлини тўсдилар. Ул муборизотпеша кетма-кет ҳамлалар билан душманнинг ҳар икки фавжини ҳам тарқатиб ва қириб, қароргоҳигача қувлаб борди. **Маснавий:**

Ду даст оварида ба кўшиш бурун,
Ба ҳар дасти ў теғи алмосгун.
Ба ҳар жо ки бозу бар афрохти,
Сари хасм дар пояш андохти.
Нашуд бар тане то пардохташ,
Назад бар саре то наандохташ.
Ба ҳар жо ки шамшири ў кор кард,
Якero ду карду дуру чор кард.
[Икки кўлини саъй ила чиқариб,

Ҳар қўлида ҳам олмосдек қилич.
Қайси томон билагини сармаса,
Душман бошини оёқига отди.
Бировга қилич урмаган вақти йўқ,
Бошин кесиб отмаган пайти йўқ.
Қаерда иш берса шамшири унинг,
Бирни икки қилди, иккини тўрт].

Алқисса исёнчилар аҳлидан Бекмуҳаммад ва Мингбой захмдор бўлиб, Алиқулининг ёнига бориб, манзил атрофига хандақ монанд қилиб чуқур қаздириб, тупроқ ва ёғочдан истехком ва тўғон боғланган чуқур ичига кириб, отлик исёнчиларни пиёда қилиб, туфангандозларни олд қисмда жойлаштирдилар. Мулло Султон душманнинг Шодмонхўжа, Фўлодбий ва Чўтан *қирғиз*, Тофиболди *қирғиз* вужуди билан булганган чап қўлига юзланиб, ул фирқанинг кўпини ҳалокат тупроғига ташлади. Ул гуруҳнинг бошқаси ҳам ўзларининг истехком ва манзилига қочдилар. Шу пайтда вафо аҳлидан ва ихлоскиш фавжлардан учдан бири шаҳидлик даражасига етишиб, анчаси ярадор бўлиб, ул шижоатқирдор сардор мулло Султон ҳам озгина ярадор бўлган эди. Аммо Мирзо Аҳмад хоин мулло Султонга берган ваъдасига вафо қилмай, ҳеч кимни улар ҳимояти мададига юбормади. *Понсад* мирлари ғалаба табригидан сўнг мулло Султон *қўшунбеги*га Мирзо Аҳмаднинг хиёнати борасида шикоят қилиб «агар бугун шу ғалаба билан кифояланиб, шаҳарга кириб, аввал ички душманамиз бўлмиш Мирзо Аҳмад *қўшбегининг*ишини бир ёқлик қилиб, уни ўлдириб ё ҳабсга олиб, эртага яна бир карра //287^a ферузий асар сипоҳ *тўпчи* ва *туфангчилар* билан бирга фасод аҳли истехкоми устига ҳужум келтирсак тўғрироқ бўларди. Биз қўлимиздан ҳужжат бериб шоҳид бўламизким, Мирзо Аҳмад давлат ва миллатга ўз хиёнатини билдириб қўйди. Бундан ортиқроқ яна қандай хиёнат бўлсин ахир. Агар бугун бошқа бир гуруҳни *тўпчилар* ва *туфангчилар* билан бирга бизга ёрдам учун юборса, душман ишини бирёқлик қилган бўлардик ва зафар топардик» дедилар. Мулло Султон *қўшунбеги* эса «валинеъмат рухсатисиз лашкарнинг катта сардорини мен каби ўринбосар қандай қилиб ўлдира олсин? Бундай қилсам, Мирзо Аҳмаднинг дўстларидан саналмиш айрим оғиз пойловчи ва чақимчи ғаммозлар бу ишга хон ҳукмисиз қўл урганим боисидан буни хон арзига унинг ўрнига ўтириш қасдида қилганим сифатида етказишлари турган гап. Шунинг учун хон ҳазрат ҳузурида Мирзо Аҳмаднинг хиёнатини аниқ далиллар билан исботлаб бермагунимча, бу ишнинг имкони йўқ. Чунки ноҳақ қон тўкиш айби билан биз ва сизни шерикликка мансуб қилиб, сизнинг бугунги шоҳидлигингизни қабул қилмаслар. У ҳолда бу ишнинг масъулияти остида қоламиз. Бундай хатарли ишга ҳумоюн изнсиз киришсак ва журъат этсак, ҳақлигимизни ҳеч бир ҳужжат ва далил билан исбот қила олмаймиз. Лекин эшитишимча, исёнчилар Марғилон қалъаси дарвозасига илгариги қамал чоғи яқин келганларида Мирзо Аҳмад хуфиёна тарзда исёнчилар билан иттифоқ қилиб, Султон Саидбекка байат қилган эмиш. Аммо бугунгача ул хабарга менинг дилимда шак ва шубҳа бор эди. Энди бу жангда менга ишонч ҳосил бўлдики, ул хабар тўғри экан» деди.

Бу сўзлашувдан сўнг шаҳидлар жанозасига намоз адо қилиниб, қаҳрамонларни тупроққа топширдилар. Майдондан топилган оғир ярадорларни эса олиб келиб, шаҳарга кирдилар. Йўл асносида шаҳар халқи баланд овоз ва қувонч билан муборақбодлик қилардилар. Амирлар ва сипоҳ ўз мақомига келиб ором олдилар. Жарроҳлар мажруҳлар ва ярадорларнинг парвариш ва муолижасига машғул бўлдилар. Шаҳар улуғлари ва аъёнлари амирлар олдига келиб, қутлаш расмини бажо келтирдилар. Шом таомидан сўнг сипоҳ сардорларининг аксарияти мулло Султон *қўшунбеги* ҳузурига йиғилиб, //287^b биргаликда замон хони ҳузурига исёнчи ва душманлар фирқасининг енгилгани, солиҳлар ва дўстлар зумрасининг ғалаба ва қувончи хушхабаридан иборат, Мирзо Аҳмаднинг эса ёрдам хусусидаги ваъдасига хилоф иш тутгани ҳақидаги аризани битик тизимига киритиб, бир мактубни эса хоннинг укаси Султон Муродбекнинг атоқли номига ёзиб, ўша жангда қатнашган ва давлатхоҳлиги жаноб хонга маълум бўлмиш Абулқосим *тўқсоба* воситасида пойтахтга юбориб, хатларни даргоҳ *шиғовул*²⁰⁶⁷ и Рустамбек ва кичик *ҳудайчи*²⁰⁶⁸ Якубекдан пинҳон тутишни тайинладилар. Рустамбек ва келажакда Кошғар ҳокимлигига эришган Якубек иккиси Мирзо Аҳмаднинг дўсти эдилар. Қоида бўйича ҳар қандай хат ёки чопар мазкур шиғовул орқали хон арзига етказилар эди. Бу гал эса бу қоидага риоя қилмай, хатни аввал хоннинг укаси Султон Муродбекка

²⁰⁶⁷ Шиғовул/шағовул – сарой мансаби. Бухоро ва Қўқон хонлигида элчиларни хон қабулига олиб кирувчи мансабдор шахс, сарой ва девоннинг юқори амалдори. Саройдаги қабул маросимларини бошқарган ва назорат қилган. Улар мустақил равишда дипломатик музокаралар олиб боришмаган.

²⁰⁶⁸ Худайчи/удайчи – Қўқон ва Бухоро ҳамда Хива ҳукмдорлари саройида хизмат қилган амалдор. У бевосита ҳукмдор ёнида хизмат қилиб турган.

топшириб, ул жаноб орқали олий мутолаа шарафига етказиш ва сирларни яширин тутишда жуда эҳтиёт бўлишини уқтирдилар.

Абулқосим *тўқсоба* Марғинондан чиқиб, эллик нафар отлик ҳамроҳлигида шошилиш равишда пойтахт Хўқандга одатдан ташқари йўл орқали равона бўлди. Шунинг эртасига тонг пайти мулло Султон *қўшунбеги* ва кўпчилик амирлар Мирзо Аҳмаднинг ёнига бориб, кечаги ваъдага хилоф иши ва дин қонуни, диёнат ва давлат вазифасига қарши бўлган хиёнат аломат қилмиши борасидаги гина ва эътирозни маълум қилдилар. Мирзо Аҳмад «сизлар жанг сари кетгач, танимда касалим кўзиб, бутун вужудимни қамраб олиб, беҳушлик келтирди. Сизларга тайин қилинган фавжлар менинг беморлигим ва беҳушлигимдан беҳабар жангга кириш фармойишини кутиб ўтирган кўйи тўхтаб тураверганлар. Мен соғайиб беҳушликдан ўзимга келиб сўрасам, менга ана шу гапни айтишди. Аммо менинг беҳудлигим сабабли кўмак етмаган эса-да, Аллоҳга шукрларким, сизлар каби давлат ва миллат улуғларга илоҳий тақдирга кўра нусрат ва фερузманглик муяссар бўлиб, душман мағлуб ва мақхур бўлди. Бундан сўнг умиддиким, бундай хато ва янглиш ҳолатлар юзага чиқмагай. Биз барча амирлар биргаликда бир дастуриламал тартиб берайликки, тақдирга кўра келажакда лашкар амирларидан қайси бир шахсга бирор касаллик ва ҳолат рўй бериб, узрли ва ноилож бўлсалар, //288^a лашкария тўлалигича уларнинг нойиблари итоатида бўлиб, зарурият юзасидан қаерга бориш керак бўлса, нойибларнинг ўзлари лашкарианинг ҳаракат ва сафланиш ишларини мустақил бажариб, масъулият ҳам мазкур нойиблар зиммасида бўлса. Бу суратда ҳеч кимдан гина ва шикоят юзага чиқмаяжак. Одам фарзанди орасида бундай хато ва янглиш гоҳида юзага чиқиб туради» дея жавоб берди. Мирзо Аҳмад шунга ўхшаш сўзларни тилга олиб, мулло Султон *қўшунбеги* ва бошқа сардорларнинг ғазаб оловини ўчиришга тиришиб, сўз жилловини қамал ва душман истехкомига хужум маслаҳати томон буриб, ўша борада савол ва жавобни чўзиб юбориб, жанг ва хужумни эртанги кунга қўйиб, ҳар ким ўз уйига тарқаб кетдилар. Хоин ва туз тутгир ҳароми Мирзо Аҳмад ярим кечада ўзининг қариндош-туққан ва хос мулозимларини чақириб: - Қадимдан буён сизларни ўз ҳимоятим сояси ва марҳаматим остида парвариш ва тарбият қилганимнинг сабаби қийинчилик ва кулфатли бир кунда ишимга яраб қоларсиз деган умид илинжи эди. Мана энди ўша вақт келди – менинг умидимни рўёбга чиқаринг ва ўз ихлосингизни ойдинлаштиринг. Менинг душманларим билан душманлик, дўстларим билан дўстлик қилинг. Сиздан қайси ишни илтимос қилсам, уни бажо келтирмак учун менинг олдимда аҳду паймон қилиб ва онт-қасам ичиб, кўнглимга ишонч бағишланг. Шунда сизлар билан ул мақсуд ва асрорни ўртоқлашаман. Мен ҳам сизларнинг олдингизда ваъда бераманки, агар сизлар туфайли ул истакка эришсам, келажакда сизни дилписанд даражалар ва аржуманд мансабларга етказаман, - деди.

Қариндош ва аҳбоб, хос мулозимлар Мирзо Аҳмаддан ҳеч вақт бу каби илтимос ва ожизлик изҳорини кўрмаганлари учун жоҳилият ҳамиятлари томири жунбишга келиб «нима амру фармон қилсангиз жон ва молимиздан кечиб, адо этамиз. Бу хизматкорларнинг кўлида на қадар имкон бўлса, бизнинг *махдумимиз* қилган илтимос йўлида барисини уни истагига етказиш учун кўлимиздан келгунча бажарамиз. Биздан қандай аҳду паймон ва қасам лозим бўлса, айтиб, бу борада шариф кўнглингизни тинчитиб олинг. Агар олов ичига юборсангиз, ўзни сўзсиз шу ўт ичига урамиз» дейишди. Шу тарзда Мирзо Аҳмад бу жамоа билан аҳду қасамни мустаҳкам қилгач «бу аҳду паймондан менинг мақсадим шуки, мену сизинг душманимиз мулло Султон *қўшунбеги*, Абдуллох *парвоначи*, Абдулкарим *додхоҳ* ва Эрназар *эшик оғосини* эртага айни жанг қизиган пайтда кўлингиздан келган барча ҳийла-тадбирни ишлатиб қатлга етказинг. Сипоҳ ва раоё уларнинг ўлганини //288^b *қипчоқия* ва *қирғизиядан*, деб ўйлаб, сиздан ҳеч бирингиз ҳаққингизда гумонга бормасин. Агар *қипчоқ* ва *қирғиз* раислари билан қилган аҳдимиздан улар хабар топиб, бу хабарни хоннинг укаси Султон Муродбекнинг қулоғига етказсалар, табиийки, укаси орқали хон ҳам бундан хабар топади. Султон Муродбек бу ҳодисаларнинг бошидан то шу пайтгача мендан бадгумон эди. Аммо гумонини исботлаб, мен борамда ишонч қилиб, сўнг хонга етказишга бирон далили йўқ эди. Ўтган куни бу кишиларга *қипчоқ-қирғиз* жангида ёрдам бермаганим эса панд бериб турибди. Чунки ҳеч қачон кўнглимга булар оз сонли бўлатуриб, қирқ мингдан кўпроқ *қипчоқия* ва *қирғизия* билан бўлган жангда уларни енга олади, деган фикр келмаган эди. Аксига олиб, мулло Султон ва ҳамроҳлари соғ-саломат менинг олдимга қайтиб келиб туришибди. Ахир унинг ва ҳамроҳларининг нусрат топиши қачон ҳам хаёлимга келибди, дейсиз. Агар Мулло султон ва унинг афвожига кўмак учун мен томонимдан қилинган ваъдага хилоф равишдаги бепарво ва лоқайдлик хон ҳузурида маълум бўлса, менинг давлат ва миллатга қаршилигим, *қипчоқия* тойифаси билан тил бириктирганим ва султон Саидбек ибн Маллахонга байатим сўзсиз ўз исботини топади. Бунга лашкар сардорлари мулло Султон билан иттифоқликда уруш ишлари ва мудофаада лоқайдлик қилиб, ҳаяллаганимни айтиб, гувоҳлик беришса, нифоқ ва мухолифатимга шохидлик қилувчи бу гаплар исёнчиларга

қўшилганимни исботлаш учун рад қилиб бўлмас далилга айланиши муқаррар. У ҳолда мени ва сизни хору расволикда қатлга етқарадилар. Бу айёмда эса очикдан-очик Султон Саидбек ҳузурига бориб, *қипчоқия* ва *қирғизия*га қўшилишсак, мен ва сизнинг Хўқандда қолдирган фарзанд ва яқинларимиз, амвол ва ашғимиз талаф ва зое бўлади. Шу сабабли бунга ҳозирча сира қўл ура олмаймиз. Ичкаридан туриб бирор иш ва тадбир қилмоқ осон бўлиб, уни ташқаридан ҳеч ҳам қилиб бўлмас. Менинг *қипчоқия* ва *қирғизия* билан Султон Саидбекка байат қўлини беришда иттифоқ бўлганимнинг асл сабаби Худоёрхоннинг укаси, яъни Султонмуродбекдан кўнглим хавотирда эканидан эди. Агар Худоёрхон ўз давлати тахтида мустаҳкам ўтириб, мустақил ҳукм юргизса, Султон Муродбек хон хотирини менга нисбатан ўзгартириб, мен ва сизнинг фарзандларимиз ва бизга қарашли кишилар ҳаммамиз биргаликда қатлга етишимиз аниқ эди» деди.

Мирзо Аҳмад бузуқи бу афсона ва афсунларни қариндош ва яқинлари қулоғига //289^а киритгач, уларга кўп мол ва пул бериб, мазкур жасур ва садоқат касбли вафодорлар қатли борасида йўл-йўриқ ва таълимот бериб, ул мажлисдан рухсат берди. Эртасига тонгда Мирзо Аҳмад ўзини касалга солиб, мулло Султон ва бошқа сардорларни чақириш учун ўз яқинларини юборди. Чақирилганлар Мирзо Аҳмаднинг ҳузурига йиғилгач, мунгли овоз билан «менинг сизларни чақиришимдан мақсад, барча лашкариям ва қариндош, мулозимларимни сизларга топширмакчи эканимдир. Зеро, кундан-кунга касаллигим кучайиб, аъзои баданим сустлиги, дилим заъфлиги ортиб, ўз касалимдан хавфсираб қолганман. Бугун сизлар муҳосира ва ҳужумда сайъ-ҳаракат қилинг. Мен касаллик кучайишига кўра лашкар амирлигини удалай олмайман. Хоннинг қутли буйруғига кўра менинг нойибим бўлмиш мулло Султон *қўшунбеги* бу ишга масъул бўлиб, у томондан қандай буйруқ бўлса, итоатни вожиб билиб, айтганларига бўйсунинглар. Ҳеч бир ишида қаршилиқ кўрсатманглар» деди.

Бу сўзларни тугатгач, мулло Султон *қўшунбеги* ва унинг бошқа сардорлари билан хайрлашув маросимини бажо келтириб, бир табиб ва ўзининг бир нечта хос мулозимларини ҳузурида олиб қолиб, бошқа қариндошлари ва мулозимларини уларга қўшди. Мулло султон баҳодир ва сардорлар *туфангчилар* ва *тўпчилар* ва бошқа сипоҳ билан бирга Марғинондан чиқиб, лашкарияннинг афвожи сафларига тартиб ва ороалик бериб, душманга қарши ғанимни дафъ қилиш сари йўналдилар. Ўтган кун душманлар уларнинг ўндан бирича ҳам келмайдиган сипоҳидан енгилгани учун истиҳкомига яшириниб олган эдилар. Аммо Мирзо Аҳмад ҳаромининг душманга берган ваъда ва хабарига кўра, яна жангга ботир бўлиб, ўз истехкомидан ташқари чиқиб, ўз сафларининг қалб ва чапу ростини тузиб, диёнат огоҳ сипоҳга қарши урушиш учун қарор қилдилар. Маозжабал яқинидаги даштда томонлар тўқнашуви рўй берди. Агарчи итоат ва садоқат ойин сипоҳ сони душманнинг чексиз сонидан уч баробар оз бўлса-да, ҳар томон ва нуқтадан ҳамла қилиб турган осийлар устидан ғалаба қилиб, орқага суриб ташладилар. Исёнчилар қочишдан бошқа чора топа олмай, жанг майдонидан юз ўгириб, ўз истехкомига кетдилар. Мулло Султон *қўшунбеги туфангчи* ва *тўпчилар* гуруҳини муҳим мавзеларда жойлаштириб, //289^б душман истехкомига усталик билан ўт очишга фармон берди. Ўзи эса бошқа сипоҳ билан яна бир томондан қамал ва ҳужумга машғул бўлди. Оташ отувчи тўпларнинг ўқларидан душман истехкомига кўп хароблик йўл топиб ва душманлардан жуда кўп одам ўлдирилиб, исёнчиларнинг аҳволи танг бўлиб, шавкат паноҳ сипоҳнинг фатҳу нусрати муяссар бўлишига яқин қолди. Мулло Султон *қўшунбеги*, Абдуллоҳ *парвоначи*, Абдулкарим *додхоҳ*, Эрназар *эшик огоси* лашкариyani жангга руҳлантириб, сафлар олдида ҳар томонга югуриб турган пайтларида қазодан ва ёр бўлмас бахтсизликдан бу номдор амир ва вафодор баҳодирнинг ҳар тўрталасига ҳам туфанг ўқи келиб тегиб, шаҳидлик мартабасига етишиш бахтини топдилар. Агарчи айрим бошқа сардорлар ҳарб ишида етук сайъ-ҳаракат қилсалар-да, улар ҳам шаҳодат даражасига етишиб, қолган *юзбошилар* ва мансабдорлар бу шаҳидлар жасадларини олиб, шаҳар ичкарисига қайтдилар. Бу тўқнашувда қатнашган кўпчилик эътиборли одамларнинг ҳикоясига қараганда, ул диёнат шиор амирлар ва намак ҳалол сардорларнинг қатли ва шаҳодати бадкор шиор Мирзо Аҳмаднинг фидойи ва мулозимлари кўлидан юзага чиққан. Чунончи Мирзо Аҳмад қатли қасдидан бир бўлаги унинг фидойи ва мулозимлар билан қилган аҳду паймонлари ҳақида юқорида ёзилди.

Шу вақтда Бухоро амири Фарғона хонига ёрдам ва кўмак учун Бухородан лашкар тортиб, ўзидан олдин Ўратепа ҳокими Алиёрбек *додхоҳ* ва Жиззах ҳокими Якуббек *эшик огоси* Бухорийни бир нечта сипоҳ фавжи билан амирлик уйи Хўқандга юборди. Амирлар ва сардорларнинг шаҳидлигидан сўнг вафо қоидали лашкар енгилди, Марғинон шаҳри ичига қайтиб киришгач, исёнчилар гуруҳи турган истехкомлари торлиги ва қамал қийинчилигидан қутулиб, тагин Марғинон қамалига машғул бўлдилар. Мирзо Аҳмад хоин бир неча кундан сўнг ярим кечаси шаҳарнинг шарқий дарвозасини исёнчилар юзи сари очиб, бошқа дарвозадан ўз қариндошлари ва мулозимлари билан

бирга ташқари чикди. Чунки ўзининг хиёнат аломатли кирдоридан ҳадик ва хавфда эди. Пойтахтга Фарғона хони ҳузурига кирмай, //290^a шу вақтда Хўжанд шахрига келиб тушган Бухоро амири ҳузурига кетди. Мирзо Аҳмад кетгач, *қипчоқия* ва *қирғиз* қабилалари Марғинон шахри ичига кириб, шаҳарнинг айрим дарвозаларини тасарруф қилиб, Фарғона хони сипоҳига қарши жангга ошиқдилар. Садоқат огоҳ сипоҳнинг мутасадди ва *юзбошилари* шаҳарнинг улуғлар ва аъёнларига хабар бериб «энди пойтахт томонга борамиз, чунки бу озгина сипоҳ билан душманга қаршилик кўрсатиш ва мудофаа қилишга ожизмиз. Сизлар душман билан муросо ва мадоро билан ўз ишларингизга чора топиб, беҳуда ҳаракат қилмай, ўз қатлу ғоратингизга сабабчи бўлманг. Иншооллоҳ тез янги лашкар билан етиб келамиз» дедилар. Бу хабарни етказгач, ўша кечаси Марғинондан пойтахт Хўқандга қайтиб кетиб, Фарғона хони ҳузурига кўшилиб, воқеалар сурати ва Мирзо Аҳмад *қўшунбегининг* хиёнатини бошдан охиригача арзга етказдилар. *Қипчоқ* ва *қирғиз* тойифалари Марғинон шахрини эгаллаган ўша кечаси шаҳарнинг ашроф ва аъён, раияти билан ярашдилар. Бир неча кун иқоматдан сўнг амирлик уйи Хўқанд томонга кетдилар. **Маснавий:**

Душмани музаввир аст балои бузург,
Ғафлат аз ў ҳаст хатои бузург.
Хурд мабин гарчи бувад хурд кин,
Хурд шави гар намешави хурдбин.
Хасми каждум баттар аз аждаҳост,
К-ин зи ту ниҳон бувад, он гар балост.
[Ҳийлагар душман катта бир балодир,
Ундан ғафлатда бўлиш катта хатодир.
Адоват кичик бўлса ҳам кичик дема,
Майдани кўрмасанг бўларсан майда-майда.
Чаёндек душман аждаҳодан ҳам баттар,
Бу сенинг кўзингга кўринмас, ул гар балодир].

Мазкур йилнинг олтинчи зу-л-қаъдасида²⁰⁶⁹ Мингтут мавзесига келиб тушиб, шунинг эртасига пойтахт Хўқанд қамали сари ботирлик отини жавлон қилдирдилар. Бухоронинг йигирма минглик сипоҳи билан ёрдам тариқасида Фарғона хони хизматига Бухоро амири олдидан келган Ўратепа ҳокими Алибойбек ва Дизах ҳокими Якуббек хон жанобларидан *қипчоқ-қирғиз* гуруҳларига қарши уруш қилишга рухсат сўраб «анча вақтдан бери Фарғона сипоҳи бу бадавия қабилалар билан жанг қилиб келмоқдалар. Бугун жангни бухороликларга қўйиб бериб, ўзингизни бухороликларга ёрдам беришдан тийсангиз. Тоқим, бугун Бухоро сипоҳи ва исёнчилар урушида ўзимизни синайлик ва Бухоро амири етиб келгунича шойиста бир хизмат қилган бўлайлик» дея арзга етказдилар. Гарчи бухоролик ёрдамчи сипоҳни *қипчоқия* ва *қирғизия* урушига ёлғиз юбориш таклифи //290^b жаноб хонга ёқмаса ҳам бу борада бухоролик сардорларнинг илтижо ва ўтинчи ҳаддан ошавергач, ижозат бердилар. Шунга қарамай, хоннинг олий фармойишига биноан Ниёзали *қўшунбеги* ва Дўстмуҳаммад *парвоначи* Фарғонанинг бир неча фавжи билан эҳтиёт йўсинида қалъа ташқарисида кузатиб турдилар. Бухоро сардорлари ўз сафларини тўғирлагач, душман тарафга юзландилар. *Қипчоқ-қирғизларнинг* кузатувчи қаровуллари Шодмонхўжа, Алиқули, Мингбой, Фўлодбий ва исёнчиларнинг бошқа бошлиқларига лашкарнинг қалъадан чиққанини хабар қилдилар. Дархол Алиқули, Мингбой, Бекмуҳаммад ва Чўтан ўз гуруҳидан саккиз минг жангчини сайлаб, тўрт фавжга тақсим қилиб, жанг майдонида тайёр ҳолда Бухоро сипоҳининг қалъадан сал узоқроқ чиқишини кутиб, сабрсизлик билан пойлаб турдилар. Бухоро сипоҳи душманнинг бу каби кутиб турганини уларнинг журъатсизлиги ва кўркувиға йўйиб, ҳеч иккиланмай, бемалол қадамларини жанг майдонига кўйишди. Исёнчилар бошлиқлари ўша тўрт фавж билан бир-бири кетидан бухороликлар сафига ташланиб, ҳар икки томондан қаттиқ уруш ва қон тўкиш рўй берди. **Маснавий:**

Чунон гарм шуд оташи корзор,
Ки аз наъли аспон бар омад шарор.
Таранг камон рафт дар мағзи кўх,
Фашофаш кунон тир бар ҳар гурўх.
Зи шўридани нолаи карной,
Бар афтод поларза ҳар дасту пой.
Зи баси хун ки гирд омад андар мағок,
Чу гўгирди сурх оташин гашт хок.
Зи ғўридани жанда пилони маст,

²⁰⁶⁹ 1863 йил 25 апрель.

Гиреҳ дар гулӯи ҳазбарон шикаст.
 [Уруш олови қизиди чунон,
 Отлар тақасидан чикди учкун.
 Камонлар таранг тортилди,
 Виз-виз ўқлар ҳар гуруҳ томон учди.
 Карнайнинг ноласидан,
 Ҳар оёқ-қўлга титроқ тушди.
 Қон кўплигидан ясалди чоҳ,
 Қизил гугуртдек оловланди хок.
 Маст жанда филлар ўкрикидан,
 Шерлар томоғи бўғилиб қолди].

Алқисса, ниҳоят бухороликлар қўшини орқага сурилиб, енгилишларига яқин қолди. Фарғона сипоҳининг фавжлари билан қалъадан ташқарида эҳтиёт юзасидан жангни кузатиб турган Ниёзали *қўшунбеги* ва Дўстмуҳаммад *парвоначи* бу ҳодисадан хабар топиб Бухоро сипоҳига ёрдамга етиб, душман билан тўқнаш келдилар. Бухоро сипоҳининг айрим орқага сурилганлари ўз сафларига қайтиб келиб, жангда сабот қадамлик қилиб, ғанимни олдларидан қувлаб солдилар. Шодмонхўжа бу ҳолдан огоҳ бўлиб, Фўлодбий, Топилдибой ва ўзининг ўғли Саййид Ғозини уч фавж билан исёнчиларга ёрдам учун юборди. //291^a Душман сафлари бузилган бўлиб, бу янги гуруҳларнинг ёрдами билан қувват топиб, жангда оёғини қаттиқ тираб турдилар. Катта уруш-саваш юз бериб, ҳар икки тарафдан кўп одам ўлдирилди. Кун пешиндан ўтганда қайси томон ғолиб ва мағлублиги маълум бўлмай, ҳарб бозори қизигандан-қизиб, исёнчилар фиркасининг сипоҳи жангдан қўл тортмади ва бир-биридан ажралмадилар. Ҳазрат хон туфангчилардан бир фавжини икки дона кичкина тўп ва Бухоро сипоҳи *тўпчиси*, Фарғона фавжларини равон қилди. *Туфангчилар* фавжи тўп ва *тўпчи* билан жанг майдонига кириб, урушга машғул бўлдилар. Саййид Ғози ибн Шодмонхўжа ва исёнчилардан бир тўдаси ул урушда тўп ўқларига учиб, ҳаёт отларидан тубанлик тупроғи узра қулаб, душманлар кўп йўқотиш билан қароргоҳи сари қайтиб кетди. Алиёрбек, Яқуббек Бухоро қўшини ва Ниёзали *қўшунбеги*, Дўстмуҳаммад *парвоначи* Фарғона фавжлари билан ғалабага ёр тарзда хон ҳузурига мушарраф бўлиб, ҳар қайси ўз мартабаларига қараб сийлов ва эҳсонга сазовор бўлдилар. Бу урушда исёнчилар бошлиқларидан бир нечтаси ўлиб, ярадор бўлиб ҳамда оддийлардан ҳам кўпгина одам ўлгач, шаҳар камалидан қўл тортиб, шабгир қилганча Оқтепа мавзесига бориб тушдилар. Фарғона хони бухоролик ва фарғоналиклардан иборат катта қўшинни лашкар амири Ниёзали ва Дўстмуҳаммад *парвоначи* ва Алиёрбек *додхоҳ*, Яқуббек *эшик оғоси* амирлиги остида ва туфангчи ва *тўпчи* фавжларини саккиз дона тўп билан бирга душманни дафъ этиш учун юборди. Нусратпаноҳ сипоҳ йўлга тушганидан *қипчоқия* ва *қирғиз* хабар топиб, шошилич равишда Марғинон яқинидаги Ёрмазор қалъасига бориб, шу ерда бекиниб олди. Хоннинг олий буйруғига биноан бухоролик ва фарғоналик сипоҳ кетидан таъқиб этишдан тийиниб, //291^b хон ҳузурига қайтиб келдилар. Шу аснода жаноб Бухоро амирининг амирлик уйи Хўқандга саодатли кириши рўй бериб, кўплаб амиру уламо ва фузалонинг улуғлари ул жанобни кутиб олиш учун топшириқ олиб, Конибодам навоҳисигача ошиқдилар ва иззат-эҳтиром услуби маросимини бажо келтириб, ҳазрат амирнинг қўлини ўпиш саодати бахтини топдилар. Амирнинг олий мавкаби шаҳар яқинига етгач, Фарғона хони жаноблари шахсан ўзлари истиқболга чиқиб, ҳар икки соҳиби давлат ва валинеъмат шоҳона тавозе билан масоҳафа ва мулукона қонун маросимини адо қилдилар. Ва ҳазрат амири Бухорони тўла тажаммул ва дабдаба билан хонлик қасру кўшки ва Фарғона амирлиги саройига тушириб, меҳмондорлик шартлари ва қоидаларини бажардилар. Истироҳат ва оромдан сўнг бир неча кун ҳазрат амири Бухоро ва жаноби хони Фарғона кибор амирлар ва хуш ахлоқли вазирларни чақириб, маслаҳат мажлисини тузиб, ёғий ва тоғийлар дафъи юзасидан қандай фикр ва тадбир бўлса, ўртага ташлаб, ниҳоят ҳар икки соҳиби шавкат иттифоқликда фасод аҳли бўлмиш *қипчоқия* ва *қирғизия* фитнаси дафъи учун лашкар тортиб, ул залолат пеша фирқа шарорати оташи шўъласини аявсиз қилич билан ўчириб, яжуж сифат қавмининг иши ва кирдоридан ўз кўнгилларини бутунлай фориф қилишга қарор қилдилар. Шу ният билан ҳар икки соҳиби мамлакат Бухоро ва Фарғона қўшинлари билан амирлик уйи Хўқанддан чиқиб, Марғинон тарафи сари кўзғалдилар. Иттифоқдош қўшинлар Олтиариф қасабасига нузули ижлол қилгач, *қипчоқия* ва *қирғизия* ўз ҳукмдори Султон Саидбек ибн шаҳид Маллахонни Ёрмазор қалъасида қўйиб, Асака қалъаси томонга равон бўлдилар. Ҳазрат //292^a амири Бухоро ва жаноб хони Фарғона иттифоқдош қўшин билан Марғинон балдасига келиб, қалъа ташқарисида Маозижибиллий мавзесида тушдилар. Шу йўсин билан ҳар кун манзилма-манзил Султон Саидбек ва *қипчоқ-қирғиз* тойифалари кетидан борардилар. Фасод аҳли эса ҳар кун бир бекат орқага чекиниб, Қорағулжа

куҳистони дараси ичига кирдилар. Бу ер ҳақиқий ярватувчининг санъати ажойиботларидан бўлиб мустаҳкам қалъа эди. Унинг гирдо-гирд атрофи самога бош чўзган тоғлар ва баланд авжли чўққиси тифидан осмон синаси йиртилган эди. Бир тор йўли бўлиб, яратувчининг қудрат муҳандиси унинг оғзига дарвоза шаклида тоғ тошидан мустаҳкам бир тўсиқ ясаган ва унинг олдида эса катта, чуқур анҳор хандақ ўрнида жойлашган эди. Ул куҳистон ичида ҳар хил улуфа ва захиралар бисёр эди. Бадавиянинг кўпчилик тойифа ва қабилалари ватанлари шул куҳсорда эди. Бу томондаги тор ва ингичка йўлга пистирма қазиб, тош тўсиқ ясаб беркитгандилар. Неча юз туфангчини тоғ белидаги ўша пистирмада ва тошлар ортида жойлаштириб, посбон ва кузатувчилар қўйиб, шу оралик жойда макон тутгандилар.

Бу икки соҳиби шавкат Қорасув қишлоғини ҳашамат чодирлари қўши қилиб, амирлар ва сардорларни иттифоқчи қўшиндан катта гуруҳлар билан Қорағулжага юбордилар. Улар буйруққа биноан ул тарафга юриб, бу томонда ингичка ва тор бир йўлдан ўзга ўтишга жой топмай, осмонга бўй чўзган тоғлар тепасидан кўтарилиб, аммо ўтиш имкони бўлмагач, ночор ҳолда минг машаққат билан дарё сувидан ўтиб, баъзи юкларни кенгроқ мавзеда тушириб, бир фавжни нигоҳбонлик учун ўша ерда қўйиб, //292^b туфангдорлар фавжи билан бирга пиёда юриб, ул куҳсорнинг дарвозаси каби даранинг оғзига бориб, сангбастни очмоқчи бўлдилар. Тошлар ва тоғ камаридаги пистирма орқасидан исёнчи туфангчилари туфанг ёмғирини пайдарпай қуйдириб, ул мавзе яқинига йўлатмадилар. Душманлар тошлар ортида яхшигина яшириниб олган эдилар, шу сабабли иттифоқчи фавжлар ўқи тошларга тегиб, душмандан ҳеч кимга зарар етказа олмасди. Иттифоқчи қўшиннинг сайъ-ҳаракатлари беҳуда кетарди. Шу сабабдан ноилож иттифоқчи қўшин сардорлари жаноб амири Бухоро ва хони Фарғонага бу воқеани арз қилдилар. Ҳар икки жаноб бу аҳволдан хабар топиб, ул иш бўйича маслаҳат қилиб, суҳандон элчи орқали Султон Саидбек ва *қипчоқ-қирғизия* қабилаларига қилинган ваъдаи ваидни қамраган истимолатнома юбориб, ўз ҳузурига чақирдилар. Ул элчи ҳар икки соҳиби тожу тахтнинг фармойишга кўра, ул юраги қаттиқ гуруҳ олдига бориб, элчилик гапларини етказди. Тўққиз яшар Султон Саидбек ҳукмдор деган номдан ўзгасига эга бўлмай, қўлида ҳеч қандай инони ихтиёр йўқ эди. Ҳукумат иш ва юмушлари тизгини, амирлик нуфузи ва маслаҳат Шодмонхўжа, Саййид Маҳмуд тўра, Муллоқули, Мингбой, Фўлодбий, Чўтан ва яна *қипчоқ-қирғизия*нинг айрим қабилла бошлиқлари қўлида эди. Элчини бир ерда қўйиб, душман бошлиқлари машваратга тушдилар ва шу аснода Мирзо Аҳмад *қўшунбеги* ёнидан бир жосус келиб, бир мактуб топширди. Бухоро амири ва Фарғона хонининг ички ишлари ва хуфийа сирларини ўз ичига олган бу мактубда аҳли фитна раислари мабода Бухоро амири ва Фарғона хони билан учрашсалар яхши бўлмаслиги таъкидланган кўрқитиш ва таҳдид аралаш сўзлар бор эди. Исён аҳлининг раисларига хатни ўқиш учун етказдилар. Улар бу хабардан воқиф бўлгач, элчини олдларига //293^a чақириб «биз ҳозирча Бухоро амири ва Фарғона хонининг ғзабидан кўрқув ва ҳадикдамиз, аъло ҳузурга бора олмаймиз. Ҳар икки жаноб бу бандаларнинг йўли устидан узоқроқ бўлиб, Марғинон шаҳрини иззат шарафининг қароргоҳи қилсалар, бу кулларнинг хавф ва кўрқуви йўқолиб, аларнинг узангиларини ўпишга мойил бўлсак, ажаб эмас». Исёнчилар бошлиқларининг топшириғига биноан моҳир бир котиб фасоҳатли ариза тартиб бериб, элчи қўлига топшириб, орқасига қайтариб юбордилар. Йўлларни босиб ўтгач, элчи келиб, ул ёзувни мутолаа шарафига етказди. Бухоро амири ва Фарғона хони унинг мундарижаси мазмунидан хабардор бўлиб, номдор амирлар ва эътиборли вазирларни чақириб, бу хусусда маслаҳат қилдилар. Уларнинг кўпчилиги иттифоқдош қўшиннинг Марғинон шаҳрига қайтишини исён аҳлининг хавф ва кўрқувининг йўқолишига йўйдилар. Фарғона амирлари улуғларидан саналган Ниёзали *қўшунбеги* ва Дўстмуҳаммад *парвоначи* баён арзига шундай келтирдилар: «Исён аҳлининг аризалари ва илтимосидан макру хийладан ўзга нарса тасаввуримизга сиғмайди. Агар иттифоқчи сипоҳга фармон бўлса, куҳсорнинг йўли ва кириш-чиқиш жойларини забт этиб, то яқинлашиб қолган қиш мавсумигача сабр қилиб, чидасалар то қишгача исёнчи тойфалар захиралари улүфасига катта нуқсон йўл топиб, ночор шу куҳсорда муқим яшаётган бошқа кўчманчи қабилаларнинг ўзлари учун йиққан захира улүфасига тама кўзини тикадилар. Шу жиҳатдан уларнинг ўртасида қаршилик ва низо юзага чиқади. Шунингдек, қишнинг доимий совуқ ва қору ёмғир шиддатидан ёғий фирқа ва тоғий тойифанинг аҳволи, //293^b от ва мол-ҳоллари қийинчилик чексизлигига дучор бўлиб, исёнчилар йиғини тарқалиб кетишгача бориб етади. Қишлоқ ва шаҳарларда турган иттифоқдош қўшинимизга эса турли захира ва қишдаги зарур нарсалар осонликча етади». Бу фикр ва тадбир тўғри бир таклиф бўлса-да, калта ўйловчи ва узоқни кўра олмайдиган амиру вазирларнинг аксарияти Марғинонга қайтиш ва роҳат-осойиш кўзда тутилган биринчи маслаҳатни танладилар. Кўпчилик фикрини назарда тутган ҳолда икки тожу тахт соҳиби ҳам шунга қарор қилиб, ҳукм ва фармонлар иттифоқчи лашкарнинг қайтиши тўғрисида судур топиб, Марғинон тарафга қайтиб, анча йўлларни босиб ўтгач, Марғиноннинг қалъаси яқинидаги Маоз Жабаллий

мавзеси шавкат фаржомли чодирларнинг тикланиш жойига айланди ва иттифоқчи сипоҳ ён-атрофдан ул навоҳига йиғилдилар. Исёнчилар тойифаси бу хийла ва тадбирдан усталик билан фойдаланиб, ўзлари учун нажот йўлини очдилар, яъни исёнчилар раислари куҳсорнинг тор мақоми тутқунлигидан кўпчилик гуруҳлар билан ташқари чиқиб, ҳар томондан захира ва озук топиб, ул куҳсор ичига юбордилар ва шу тариқа ҳар нарсадан қанча керак ва зарурий нарсалар бўлса, бир қишга етарлик қилиб ғамлаб олдилар. Бу пайтда эса ҳар икки салтанат мақом амир Марғинон шахрининг ташқарисида манзил ва ором олиб, душман ҳукумдори Султон Саидбек ва исёнчиларнинг бошқа раислари келиши ваъдасига биноан интизор кутмоқда эдилар.

Юқоридаги ҳикоямизда Мирзо Аҳмад *қўшунбеги*нинг Марғинондан қочиб чиқиб, Бухоро амири томонга кетганидан сўнгги тақдири тўла акс этмай қолганди. Хуллас, Марғинон қамали пайти Мирзо Аҳмад *қўшунбеги* томонидан Фарғона давлати ва миллатига нисбатан кўп жиноят ва хиёнатлар содир бўлиб, //294^а унинг нифоқ ва куфрони неъматлиги, ҳақни танимаслиги оқибатида бузғунчилар Андижон, Марғинон ва уларга қарашли ҳудудларни босиб олишди. Ул ҳаромининг фидоийлари кўлидан кўплаб вафодор амир ва сардорларнинг улуғлари шахидлик даражасига етди. Ўша вақтда Марғинонни назорат ва ҳимоя қилиш ҳамда лашқария амирлиги Фарғона хони фармониغا биноан Мирзо Аҳмаднинг зиммасига юкланган, яъни бутунлай унга ишониб топширилган бўлиб, у аблаҳ эса сирли равишда кечаси шаҳар дарвозаларини душманга очиб берди. Сўнг ўзи қариндошлари ва мулозимлари билан бошқа томондан шаҳар ташқарисига чиқиб олиб, ўзининг қилган жиноят ва хиёнати учун албатта жазоланиши хавфидан чўчиб, ваълинеъмати бўлмиш Фарғона хони ҳузурига амирлар уйи Хўқандга кирмай, Бухоро амирининг ҳимояси ва паноҳи остига ошиқди. Бу воқеалар зикри қисқача тарзда ўз ўрнида айтиб ўтилди. Бухоро амири пойтахт Хўқандга келиб тушган пайтда ўртага тушиб, бу лаънатининг гуноҳини ўтишни Фарғона хонидан тилаган, ҳазрат амирнинг ана шу шафелиги орқасида эса хон муттаҳам Мирзо Аҳмаднинг куфрони неъматлиги ва хиёнати жазоси баҳридан кечиб, фақат мансабидан четлатиш билан кифояланган эди. Ҳар икки адолатли подшоҳ томонидан ул ноинсофга нисбатан амалга ошган ана шу афв ва иноятга қарамасдан, ўзининг барча ойин ва динларда манъ қилинган ва қораланган хиёнат каби ёмон қилиғини тарк этмай ва тавба қилмай, мамлакатнинг ички ишлари ва ташқи сиёсати вазияти ҳамда сипоҳия ва лашқар аҳволидан жосуслик йўли билан қўлга киритган ахборотини қосид ва жосуслар воситасида душману исёнчиларга етказиб турди. Бола-чақаси ва хотин-халажини бойлиги ва нарсалари билан бирга қўшиб Намангон томонга қочириб юбориб, ўзи эса айрим қариндошлари ва мулозимлари билан ёлғиз ҳолда лашқария аҳли жумласидан бўлиб, лашқар ичида ётиб-туриб юрди. Шу аснода унинг душман билан ёзишмалари //294^б ва хиёнаткорлиги борасида жаноб Бухоро амири ва Фарғона хонига кетма-кет хабарлар етишиб, бу гуноҳкорни қилмишига яраша жазолаш учун ҳукм бермоқчи бўлдилар. Мирзо Аҳмад намак ҳароми эса кейинроқ мустақил равишда Кошғар ҳокимлигига эришган Яқуббек *эшик оғоси* каби ўзининг яқинларидан йўл бошловчи олиб, қариндош-туққанлари ва мулозимлари билан бирга Қорағулжа томонга қочиб, осийлар бошлиқлари ёнига бориб қўшилди ва исёнчиларнинг бошлиқларидан бирига айланди.

Фитна аҳлининг келиши учун белгиланган муддат ўтиб, улардан бирор хабар ва асар етишмагач, Бухоро амири ва жаноб Фарғона хони иттифоқчи лашқарнинг юриши ёки туриши борасида давлат устунлари билан маслаҳат қилдилар. Кўпчилик амирлар тағин элчи юбориш лозимлигини билдириб, Бухоро амири ҳам шу фикрга қўшилди. **Мисраъ:** Фикри ҳар кас ба қадри ҳиммати ўст (Ҳар кимнинг фикри унинг ҳимматига қараб бўлади.); Аммо Ниёзали *қўшунбеги* ва Дўстмуҳаммад *парвоначи* каби биринчи шахслар такроран элчи юборилиши фикрини ёқтирмай, душманга қарши уруш-саваш ва қамал ишини далил ва исботлар билан биринчи галгидек баён ва аён қилиб, шундай дедилар. **Мисраъ:** Мақоми айш муяссар намешавад бе ранж (Қийналмасдан айш мақоми муяссар бўлмас); Жаноб Фарғона хони ҳам иккинчи маслаҳатни маъқуллади. Гарчи ўша замоннинг тадбир арбоблари ривоятига кўра бу андеша ва мулоҳаза ҳукумат ва миллат учун тўғри йўл бўлса-да, **мисраъ:** Оре тариқи давлат чолоки аст ва чустий (Ҳа, давлат йўли чакқонликдадир.); аммо ўзининг роҳату фароғатини ўйловчи кўпчилик амирлар бу мунозарада кўп овозга эга бўлиб, қайтадан элчи юборишга қарор қилинди. Абусамад мирохўрни элчилик йўсини билан Султон Саидбек ва исёнчи қабилалар раислари олдига юбордилар. Элчи ул фирқа олдига бориб, хабарни етказгач, элчилик мазмунини англаган //295^а ул қавм энди ўзларининг зўрлиги тан олинганидан фахр ва мақтаниш ҳиссини туйиб, тубанлик ва бузғунчилик ўй-фикларига баттароқ ривож бердилар ва яна ҳам дадил тортдилар. Айтиб юборилган гаплар жавоби ва Бухоро амири ва Фарғона хони элчисига рухсат бериб юбориш борасида исёнчилар раислари ўзлари ўртасида маслаҳатга киришдилар. Тадбиру хийлакорлик ва узоқни кўра билиш бобида фитна аҳли орасида машҳур ва

маъруф бўлмиш Шодмонхўжа деди: - Бу масалани қандай ҳал қилиш ишини ушбу кунларда Бухоро амири ва Фарғона хонидан юз ўгириб келган собиқ *қўшунбеги* Мирзо Аҳмаддан сўраб-билиш лозим. У ердаги вазиятдан шу киши тўла хабардор.

Исён аҳли мажлис қатнашчиларидан бири бўлган ёмон вужудли мазкур Мирзо Аҳмад *қўшунбеги*га қараб, бу ишнинг маслаҳатини сўрадилар. Туз кўр қилгур Мирзо Аҳмад ҳароми деди: - Менинг тушунчамга кўра шундайким, токим Фарғонанинг ғайратли хони Худоёрхон ва Ниёзали *қўшунбеги*, Дўстмуҳаммад *парвоначи* ул иттифоқчи сипоҳ ичида бўлишар экан, ишимиз олға силжимайди. Фарғона сипоҳи ва халқи бизни йўқ қилиш масаласида яқдил ва якжихатлик билан сайъ-ҳаракат қилажагини яхши биласиз. Шунинг учун уларнинг иттифоқчи кўшиндан чиқиб кетиши лозим бўлади. Албатта бу мамлакатга четдан келган ажнабий Бухоро амири ва унинг лашкари ҳам кўп вақт бу ерларда тура олмайди. Фарғона сипоҳи ва халқи эса доимо бухороликлардан шубҳада бўлиб, юракларида илгариги воқеалар сабабли қандайдир нафрат ва ҳадик сақланиб қолган. Шу боисдан бухороликлар кўзларига ёмон кўриниб, бизга қарши жанг ва уруш //295^б ишида келгиндилар билан иттифоқдош бўла олмайдилар. Ўшанда бизнинг ишимиз ривож топади. Бундай вазиятнинг юзага келиши учун тадбир эса шудирким, Бухоро амири ҳузурига итоат ва таслимимиз ҳақида бир хат ёзиб, шу хатда баён қилайликким, Худоёрхон билан бадавия тойифалари орасига адоват тушиб, ўртада икки томондан ҳам кўп қон тўкилган. Модомики Худоёрхон ва унинг укаси Султонмуродбек ва лашкарининг амирлари Ниёзали *қўшунбеги* ва Дўстмуҳаммад *парвоначи* Марғинонда ва иттифоқчи лашкар орасида бўлсалар, биз хавф ва хижолатдан ул шаҳарга ҳазрат амир ҳузурига бора олмаймиз. Агар улар Хўжанд ё Тошканд тарафига, яъни бу ердан узоқроққа кетсалар, биз итоат занжирини бўйнимизга ташлаб, жаноб Бухоро амири хизматига боражакмиз. Мулк ва миллат учун нима салоҳ бўлса, юзма-юз арзларига етказамиз. Бу мазмундаги хат юборилса, Бухоро амири ва бошқалар бизни ушлаш ва тутиш хомтамалиги орқасидан бўлиб, Худоёрхон ва унинг амирлари Бухоро амиридан айро тушиб, Хўжанд тарафига равона бўладилар. Биз эса ўз гуруҳ ва йиғинимиз билан куҳсордан ташқари чиқиб Қаросув қишлоғига тушамиз. Агар Бухоро сипоҳи бизга қарши урушга келса, ҳеч иккиланмай уруш соламиз. Кўпинча умидим шундайким, Худоёрхон ва унинг мазкур амирлари Фарғона сипоҳидан узоқ бўлса, Бухоро амири ўзининг озчилик аскари, бизнинг эса кучимизни ўйлаб, урушга журъат қила олмайди. Бу ҳолда биз уларга қарши жангга юзланамиз. Агар тадбиримиз тақдирга мувофиқ тушса, айни муроддир. Йўқ эса яна ушбу куҳсор ичига қамалиб оламиз.

Бу маслаҳат фикри фасод арбобига ёқиб тушиб, Мирзо Аҳмад *қўшунбеги*ни мақтаб ва моҳир муншийни ўз мажлисига чақириб, Мирзо Аҳмад кўрсатган услубдаги таслим ва итоат ваъдаси айтилган номани китобат тизимига ёзиб, //296^а Бухоро амирининг элчисини ёнига чақириб, ўз номасида ёзилган мазмундан огоҳ қилиб, шундай дедилар: - Биз кўп машварат ва фикр қилиб, ҳазрат Бухоро амири ҳузурига бориб, *қипчоқ* ва *қирғиз* кўчманчи қабилаларининг ваколоти бўйича аризалар топшириб, алар муродини юзма-юз ва оғзаки арзга етказиб, бу мамлакатнинг сулҳ ва осойишталигига қарор қилишни лозим топдик. Аммо жаноб Худоёрхон ва бадавия тойифалари ўртасида кўп мартаба жанг ва қон тўкишлар рўй бергани учун то ул жаноб укаси ва хатимизда номлари рақам қилинган амирлари билан бирга лашкаргоҳдан Тошканд ёки Хўжанд томонга бир неча вақтга чиқиб кетиб, дам олмасалар, уларнинг қасос ва ғазабидан хавф ва ваҳшатимиз кетмайди. Эҳтиёт ва узоқни кўра билишлик бизни ҳазрат Бухоро амири лашкаргоҳига боришимиздан ушлаб туради. Бинобарин, бизнинг ҳукмдоримиз олдидан сизга йўлдош қилиб элчи тайин бўлди. Агар Бухоро амири ҳазратлари ва давлат устунлари ва иттифоқдош лашкар амирларига аризамиз қабул бўлиб, жаноб хон укаси ва амири лашкари билан Тошканд ёки Хўжанд томонга юзлансалар, элчимиз буни ўз кўзи билан кўрса, шунинг хабарини биз томонга етказса, биз тўла ишонч билан амир ҳазратлари лашкаргоҳига борамиз.

Шу сўзлар айтилгандан кейин Бухоро амири ва Фарғона хони элчиси *қипчоқ-қирғиз*лар ҳукмдори султон Саидбекнинг элчиси билан Марғинонга равона бўлиб, Бухоро амири ва Фарғона хонининг шавкат гардишли дарборига келиб, даргоҳ яқинлари воситасида хатни мутолаа шарафига етказиб, бўлиб ўтган воқеот ва содир бўлган сўзларни арз қилдилар. Эртаси куни ҳазрат амир ва жаноби хон Бухоро ва Фарғона давлатларининг устунлари ва ҳукуматлари аъёнларини маслаҳат мажлисига чақириб, *қипчоқ-қирғиз* қабилалари ҳукмдорининг хатини ўртага ташлаб, шу борада машварат-маслаҳат сўрадилар. //296^б Ниёзали *қўшунбеги* ва Дўстмуҳаммад *парвоначи* *қипчоқия-қирғизия*нинг итоат ва таслими ваъдаси ҳийладан бошқа нарса эмаслигини тушунарли далиллар билан исботлаб, масалага ойдинлик киритиб «бу фитна аҳли раисларининг бизнинг Тошканд ва Хўжандга чиқиб кетишимиздан мақсади шу тадбир ва ҳийла билан Бухоро ва Фарғона лашкарининг иттифоқини бузиб, дўстлиги орасига айрилиқ ва кўрқинч туйғусини солиш истагидан ўзга нарса эмас. Бунинг натижасида эса Фарғона халқининг Бухоро одамларига нисбатан улфат ва дўстлиги нафрат ва мухолифатга айланади. Агар ҳазрат амир меҳмон йўсини билан Андижон шаҳрида

истиқомат қилиб, дам олган кўйи қиш мавсумида ўзини сафар машаққатидан озод қилсалар, жаноб хон ҳазрат эса қиш вақтида Ўзганд қалъасида қароргоҳ қилсалар, душманга зарба бериш заҳмат-меҳнати ва куҳсор қамалини иттифоқчи лашкар амирлари зиммасига юкласалар, иттифоқдош лашкарнинг амир ва сардорлари қиш вақтларида дара-довон даҳанаси ва Қорағулжа водийсида яна икки-уч ой сафар шиддатига сабр ва чидамлилиқ қилсалар, умидвормизки, совуқ ва ёмғир ва қор шиддатидан душманлар жамиятига паришонлик ва ажралиш йўл топиб, мурод эшиклари дўстлар ва давлатхоҳлар аҳволи пешонаси сари очилади» дейишларига қарамай, чунончи собиқ мушовара мажлисида ҳам баён тилига олганимиздек, гарчи бу маслаҳат мулкия ва миллия сиёсати ва лашкария салоҳи ва ферузи учун бу тўғри фикр ва тўғри тадбир заминида кўп фойда бўлса-да, **мисраъ:** Бо ҳеч диловар сипарии тири қазо нест (Ҳеч бир ботир тақдир ўқиға қалқон бўла олмайди.); аммо не фойда, бошқа иттифоқчи амирлар «агар исёнчилар раислари ва *қипчоқ-қирғизия* катталари //297^а ана шу зайл сулҳ ва аҳду паймон пойдеворини тиклаш учун Марғинонга келишса, уларга омонлик бермай дастгир ва гирифтор қилсак» деб туришса. Исончи тойифа ичида ҳам балки бирор ўта хушёр ва узоқни кўра биладиган шахс бўлиши мумкинлиги борасида эса сира фикрлаб ва ўйлаб ҳам кўрмадилар. Улар хавф-хатар борлигини билишса-да, нимага Марғинонга келишмоқчи, экан деган шубҳа хаёлларига яқин ҳам йўламади. Демак уларнинг бундан кўзлаган бирор фойдаси бўлса керакки, шундай хатарга ҳам рози бўлиб туришибди, деган одам топилмади. Агар улар хийла-найрангдан беҳабар бўлганларида, хазинасиз ва лашкарсиз шу бадавий гуруҳлар бир йилдан кўпроқ вақт давомида давлат билан уруша олармиди, мазмунидаги гап борасида ўйламадилар. Саъдий Шерозий *алайхурраҳма* дейдики, **байт:**

Ҳар беша гумон мабар ки холист,
Шояд ки паланг(е) хуфта бошад.
[Ҳар тўқайни ҳам холи деб ўйлама,
Балки унда йўлбарс ётгандир].

Иттифоқчи лашкарнинг кўпчилиқ амир ва сардорлари иттифоқи қуйидаги гап устида қарор топди: Дўстмуҳаммад парвончи Хўжанд ҳукуматиға, Султон Муродбек Тошканд ва унга қарашли ҳудудлар ҳукуматиға тайин қилинади. Жаноб хон бу икки макондан қай бири кўнглиға ёқса, то ҳазрат амири Бухоро ва бошқа амир, вазирлар сулҳ ва яраш баҳонаси билан исёнчилар улуғларини ушлаб, асирликка олиб, *қипчоқ-қирғиз* тойифалари ҳукмдори ва раислари ишини шу тариқа бир ёқлик қилгунча ўша ерда дам олиб туради. Ажабо, ҳали йўқ болага бешиқ ясаш нимаси бўлдий-кин, тагин. Гарчи бу ўринсиз тадбирдан Фарғона хонининг кўнгли тўлмаса ҳам аммо замон тақозоси ва вақт юзага чиқарган вазиятға кўра, Дўстмуҳаммад *парвоначини* Хўжанд ҳукуматиға, Ниёзали *қўшунбегини* Тошканд ва унинг ҳудудлари ҳукумати ноиблигиға тайинлаб, ўзи укаси Султон Муродбек билан Хўжанд истиқоматини ихтиёр қилиб, ул томонға кетди. **Маснавий:**

Даврони фалак ки бе мадор аст,
Зи ў гоҳ хазону гаҳ баҳор аст.
Ин бода ки рўзгор дорад,
Як мастий ва сад хумор дорад.
Ҳам муҳра диҳад ба даст ва ҳам дур,
Гаҳ шиша тиҳи кунад, гаҳе пур.
Селоби ғам аст дар сурураш,
Тўфони балост дар танураш.
[Айланиб бу фалак беқарор,
Гоҳ куз келтирар, гоҳ баҳор.
Ҳаётнинг бу шаробидан бир,
Мастлик бору минг хумор.
Ҳам лой кўзмунчоқ, ҳам дур,
Тутар қўлингизға ул беор.
Гоҳ шишани бўшатар, гоҳ тўлатар,
Шодлигида ғам сели мужассам,
Тандирида бало тўфони бисёр].

Алқисса, хон ва укаси ва Фарғона лашкари амирларига ҳамда фасод аҳлининг ҳукмдори //297^б Султон Саидбекнинг элчисига руҳсат бедилар. Элчи Қорағулжа куҳсорига келиб, ўз кўзи билан кўрган воқеаларни гапириб берди. Ёғий арбоби хурсандлик ва кўп йиғин билан Қорағулжа куҳсори дараси ичидан исён байроқларини ҳилпиратиб чиққан кўйи Ўзганд қалъасига тушиб, бу душман аҳли қуйидаги сўзларни сира тилдан қўймади. **Байт:**

Соқий, ба шўри бода бар афрўз жоми мо,
Мутриб, бигў ки кори жаҳон шуд ба коми мо.
[Соқий, боданинг жўшидан ўт олдир жомимиз,
Мутриб, куйла ки жаҳон иши бўлди комимиз].

Алқисса, эртаси куни Қаросув мавзесига келиб, у ердан Асака қасабаси томонга йўналдилар.

Бухоронинг ҳазрат амири ва бошқа амиру вазирлар уларнинг ижтимоъ ҳайъати билан Марғинон томонга келишидан кўрқувга тушиб, олдларига бир қосид юбориб, қуйидагиларни айтириб юбордилар: Сулҳ ва яраш учун бунча одамнинг нима кераги бор, ахир нима сабабдан бу каби йиғин билан келаётисизлар. Асака қишлоғига етгач, мамлакатнинг тинчлик ва осойишига лозим бўлган шартларини айтиш учун хос мулозимлар бу томонга келса, бас! Бошқа гуруҳ ва қабилаларни ўша манзилда тўхтатиб қўйинглар!

Мазкур қосид Асака қасабасида ёғийлар раислари билан учрашиб, ҳазрат амирнинг пайғомини етказди. *Қипчоқия* ва *қирғизия* қабилалари раислари ғазабли жавоблар ва даҳшат қоришиқ сўзларни айтиб, мазкур элчи орқали қуйидагича мазмунли хат жўнатдилар: - Ҳозиргача биз ҳукмронлиги фақат шариф Бухоро шаҳрида яроқли бўлмиш жаноб амирнинг ҳурматини бажо келтириб, муроса-мадоро йўлида муомала қилган кўйи ул ҳазратнинг сайъ-ҳаракати билан Фарғона мамлакатада яраш сулҳи ва осудалик қарор топади, деб орзу қилардик. Эндиликда бизга аниқ маълум бўлдики, ул жанобнинг муроди сулҳ ва шаҳарлар осойишталигини таминлаш эмас, //298^a балки мушовара ва мусолиҳа баҳонасида бизни ҳийла домига гирифтор қилиб қатлга етказиб, Фарғона вилоятини отаси амир Насруллоҳхон замонидаги каби ўз тасарруфига олишни истаётган экан. Биз ўз фойда ва зараримизни билмаслик даражасида нодон ва калтафаҳм эмасмиз. Уч кундан бери бу маконда ҳазрат амир ҳурматини тутиб, Бухоро лашкарининг қайтиб кетишини кутиб ётибмиз. Агар бизнинг хатимизни ўқигандан сўнг Бухоро тарафига зудлик билан қайтиб кетмасалар, тўртинчи куни Марғиноннинг муҳориба майдонида жангга тайёр бўлсинларким, биз ҳам ўша ерда ҳозир нозир бўламиз. Нусрат ва зафар ғайб пардаси ортида яшириндир. У яратгувчи эгамнинг карами ва Худо қилган тақдирга боғлиқ бўлгани учун бу икки фирқанинг урушидан илгари қай бирига нусрат ва ғалаба буюрса, албатта ўша бўлади. Агар ҳазрат амири Бухоро музаффар ва мансур бўлса-ю, биз қочсак, биз учун уятли иш бўлмайди. Чунки бизнинг ҳукмдоримиз кичик бир болақайдир, биз эсак бир қишлоқи халқ ва саҳроий кишилармиз. Агар тақдир қилиб, ул жаноб мағлуб бўлсалар ва шикст топсалар, Бухоро давлатининг шон-шавкати ва амирининг обрўсига путур етиб, дўсту душманлари назарида кадри қочади ва бу номуссизлиқ доғи қиёматгача Бухоро амирлиги пешонасида тамға бўлиб мангу қолади. Ва шунингдек урушимиз Фарғона мамлакатининг қоқ ўртасида бўлиб ўтади, агар шикаст ва қочиш Бухоро лашкари томон бўлса, бухороликлардан ҳеч ким қутулиб кета олмайди.

Бухоро амирининг элчиси келиб, *қипчоқ-қирғиз* тойифалари ҳукмдорининг номасини Бухоро амирининг мутолааси шарафига етказиб, унга ёзилган мазмунлардан хабар ҳосил бўлингач, ҳазрат амир бухоролик умаро ва вазаронинг катталарини хос мажлисга чақириб, *қипчоқ-//298^b қирғиз* қабилалари ҳукмдорининг хатини ўртага ташлаб, бу борада машварат қилди. Бухоролик амирлар ва вазирлар ёғий аҳлининг макру алдовидан ва ўзларининг нотўғри бўлиб чиққан фикр ва тадбиридан уялиб, арзга етказдиларким, энди давлатимиз учун тўғри йўл фақат Бухорога қайтиб кетиш ишига боғлиқ бўлиб қолган. Ажнабий мамлакатда улар билан уруш қилишимиз хатардан холи эмас. Хўқанд хони ва *амир лашкари* ёки атоқли бошқа бир киши Фарғона сипоҳи ичида йўқлиги учун исёнчиларга қарши урушда қолган хўқандлик сардорлар иттифоқига ишониб бўлмайди. Бу самимий бандаларнинг қусурли ақлига келгани шудир. Аммо жаноби олийларининг кўнгиллари ойнаси кароматни кўрсатувчи бўлгани учун подшоҳ қалби дониш ва ҳикмат манбасидир. Ундан нима судур ва зухур топса, лойиқ ва тўғридир. Биз ғуломлар фармон бажарувчимиз, холос.

Эътиборга молик давлатхоҳларнинг тўғри деб билиши ва жўяли маслаҳатига биноан ҳазрат Бухоро амирининг одатий марҳамати иродаси пойтахт Бухоро томонга қайтиб кетишга қарор топиб, эртаси куни лашкарнинг қайтишига олий фармон бўлди.

Фарғона қўшини сардорлари қарасалар, Бухоро амирлари ва вазирларининг бўлмағур фикр ва тадбири сабабли Фарғона мамлаката ишлари ва юмушлари саранжом топмай, нотаом қолиб, уларнинг ишга панжа орасидан қараши ва енгил-елпи ёндашувидан Бухоро давлатининг шавкат ва ҳайъати душман назарида паст ва тубан кўринди. Бу ишнинг тескариси ўлароқ душман фирқаси лашкари ва сиёсати тараққий топиб, Бухоро лашкари билан урушишга ботир бўлдилар. Бухоро лашкари эса исёнчи тойифа билан ҳарб қилишга собит қадам бўла олмай, Бухоро томон йўналдилар. Устига-устак //299^a Фарғона хони ва номдор амирлар Тошқанд, Хўжандга кетиб, бу мамлакат сипоҳи ва халқи ўз соҳиби ва ҳукмдоридан айро тушиб, юрт хавфсизлиги ва тинчилигига бўлган умидлари ноумидсизлик ва қайғуга айланди. Сипоҳ аҳли ўзаро маслаҳат қилиб, *қипчоқ-қирғиз* қабилалари

Ўзларининг ҳукмдори қилиб танлаган Султон Саидбек ибн шаҳид Маллахонга итоат этишга майл билдирдилар. Айримлар эса ўз уйларига қайтишни маъқул кўриб, Бухоро амирининг рухсатисиз қаерни хоҳласалар, ўша томонга кетдилар. Жаноб амир бу воқеадан хабар топиб, тўхтовсиз равишда қайтиш ноқорасини янгротган кўйи Бухоро йўли сари юзланиб, турган еридан бир манзил узоқроққа бориб тушди. *Қипчоқ-қирғиз* қабилалари бошлиқлари Бухоро лашкарининг қайтиб кетганидан хабар топиб, тўла ғурур ва фахр билан Қабо қишлоғига келиб, гуруҳларининг олд қисми ва муқаддимаси то Марғинончага келиб, кўриниш бердилар.

Бухоро амири қайтиб кетишга кўпроқ рағбат кўрсатиб, амирлар уйи Хўқанд шаҳри ташқарисидаги Мўйи муборак²⁰⁷⁰ мавзесида чодир тикиб, лашкаргоҳ ясади. Эртаси куни эса амирлар уйи Хўқандга кириб, бир неча кун тургач, хўқандлик уламо ва турли фан ва санъатда донг таратган нодир уста хунармандларни, шунингдек, ота-боболари тижорат ва бошқа сабабларга кўра ўтмишда Бухородан Хўқандга келиб, ватан тутиб қолган кишиларни Бухоро амири буйруғига биноан уй-жойларини соттириб, хотин ва бола-чақаси билан Фарғонадан алоқасини бутунлай уздириб, //299^б кўчириб кетдилар. Яна одамларнинг бир нечта хотин ва муйлов чиқмаган болаларини истаса-истамасалар ҳам манғитлар ўзлари билан олиб кетиб, мазлумларнинг мол-мулкани талаб, Бухоро лашкарининг авбошлари жаноб Бухоро амиридан олдинроқ пойтахт Бухорога кетиб қолдилар.

Бухоро амири Марғинондан чиқиб, пойтахт Хўқандга етиб келган вақтда Султон Саидбек исёнчилар билан бирга Қубодан Ёрмасор қалъасига келиб тушиб, Марғинон аҳолиси билан сулҳ ва яраш қилиб, шаҳарни қўлга киритди ва пойтахт Хўқанд сафари учун тайёргарлик кўриш билан машғул бўлди.

Бухоро лашкарининг бу ерга келишидан ҳеч бир фойда бўлмади. Аксинча, улар Марғинонда пайти фитна аҳлига қарши уруш майдонида мардлик оёғини тираб, ўз вазифаларини бажармадилар. Кўрсатган кароматлари фақат бу вилоятларга келиб, Фарғона давлатининг пулини харжу сарф билан елга совурдилар. Қўлга киритган нарсалари эса зўрлик билан хўқандлик уламо, таниқли кишилар, хунармандлар ва асли келиб чиқиши бухоролик бўлиб, ота-боболари Фарғона мамлакатига келиб ватан тутиб қолган кишиларни оиласи ва аҳли аёли билан Бухорога кўчириб кетишдан иборат бўлди. Шу сабабдан Хўқанд халқининг Бухоро амирлари ва лашкарига нисбатан нафрати кўзғаб, уларга нисбатан қаршилиқ йўлига кирдилар. Халқ қаерда бухоролик аскарларга дуч келиб қолса, уларни таъна ва маломат қиларди. Агар бухороликлар бирон жавоб бериб қолишса, юрагида хусумат ҳосил бўлган дарғазаб хўқандликлар шу баҳонада аламларини олиш учун бўралаб сўккан кўйи бақириб-чақиришни бошлаб, натижада тарафлар бир-бирига ташланиб, икки ўртада ҳар томондан анча кишилар ўлар ва жангу жадал гуриллаб аланга оларди. Бухоро амири ва вазирлари Хўқанд халқи ва қишлоқ аҳлининг номуносиб қилиқ-атворидан воқиф бўлгач, қарасалар, //300^а булар тарафидан зарар-заҳмат етиши ҳеч гапмас. Бу калтафаҳм кишилар Бухоро лашкари устига ташланиб, ҳужум қилишдан ҳам тоймайдиган. Бу ҳодисадан жаноб амирга хабар бериб, *қипчоқ-қирғиз* тойифаларига қарши уруш баҳонасида Хўқанд омборларида турган тўпу туфанг ва бошқа қурол аслаҳа ва ҳарбий асбоб-ускуналарнинг барчасини олиб, 1280 йилнинг сафар ойи бошида Хўқанддан чиқиб, Ёрмасжид маҳал мавзесига тушиб, ҳашамат чодирларини тикдилар. Эртаси тонгда эса ул манзилдан шошилич равишда йўлга тушиб, Бешариғ навоҳисига келиб тушдилар. Шу ерда Маллахоннинг шаҳидлигидан сўнг Фарғона хонлиги тахтига чиққан ва Хўқанд фатҳи вақтидан кейин амакиси Худоёрхоннинг кетишигача амакиси мулозиматида яшаб, шундан сўнг Хўқандда туриб, амирнинг Хўқанддан чиқиш вақтида ул жанобга йўлдош бўлган Шохмуродхон шу орада Бухоро амири рухсати билан Шодмонхўжа, Саййид Маҳмуд тўра, Алиқули, Мингбой ва бошқалар билан илгари қилган аҳду паймон ва баииятга биноан улар ўз сўзларида маҳкам туриб, ваъдаларига вафо қилсалар керак деган умидда пойтахт Хўқандга қайтиб келди. **Назм:**

Мажў дурусти аҳд аз жаҳони суст асос,
Ки ин ажуза арўси ҳазор домод аст.
[Пойдевори суст жаҳондан тўғри аҳд излама,
Бу қари келин юз куёвликдир].

Бухоро амири Бешариғдан чиқиб, кўп масофаларни босиб ўтган кўйи Хўжандга кириб борди. У ерда Худоёрхон билан бахт юлдузлари яқинлашиши рўй бериб, биргаликда Бухорога кетдилар.

Бухоро амири Хўқанддан чиқиб, Ёрмасжид мавзесига тушган куни душман сардорлари Мингбойни кўп сонли гуруҳ билан Хўқандни эгаллаш учун юбориб, пойтахт Хўқандни ҳам истило

²⁰⁷⁰ Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги қишлоқ (Қора тепа ҳам дейилади). Қўқоннинг жанубида 1 км. масофада жойлашган.

қилдилар. Хўқанд фозилларидан бири бўлмиш Муҳаммадраҳим *мударрис* Бухоро амирининг қайтиб кетиши санаси (таърихи)ни шундай назм ипига терган эди. **Таърих:**

Дар ҳазору дусаду ҳаштод он шоҳи Бухоро,
Жониби Фарғона рўй овард бо сад ниҳож.
Шаҳре бо ин хубий, мулке ба ин назҳат чу дид,
Жо гирифта бар мазожаш изтироби ихтилож.
Муддате ғарқоби ҳайрат гашта дар ҳомуну дашт,
Баҳри сулҳу жанг натавонист тадбиру илож.
Дода сардорони аъдо шоҳро фареб,
Карда аз фарти хижолат бар ҳазимат эҳтиёж.
Рафт сўйи мулки худ навмед он шоҳ малул,
Пештар аз вай равон шуд хони соҳиб тахту тож.
Дўш вақти субҳ будам дар тафаккур, //300^б хотифе,
Баҳри таърихаш бигуфто: «рафт аз манғит ривож»²⁰⁷¹.
[Бир минг икки юз саксонда ул Бухоро шоҳи,
Фарғона сари юзланди минг йўл билан.
Бундай яхши шаҳар, яшнаган юртни кўриб,
Мижозида ўрнашди қалтиратма изтироби.
Бироз вақт ҳайратга ғарқ бўлиб дашт-биёбонда,
Сулҳ ёки жанг учун топа олмади тадбир, илож.
Душман сардорлари шоҳни хўп алдадилар,
Қаттиқ уятдан қайтмоққа сизди кўп эҳтиёж.
Кетди ўз мулки сари ноумид ул шоҳ маюс,
Ундан олдин жўнади хони соҳиби тахту тож.
Кеча тонг пайти ўйланиб тургандим, хотиф,
Таърихи учун дедиким: манғитни тарк этди ривож].

Алқисса, душман пойтахт Хўқандни истило қилгандан сўнг Шоҳмуродбек амирдан рухсат олиб, Хўқандга келди ва байатни янгилашни умид қилди.

Фарғона хонлари қариндошларидан бўлмиш Ҳожи Содикбекни ва унинг ўғлини ва Шоҳмуродбекни булар томонидан *қирғиз-қипчоқ* ҳукмдорига қарши ҳеч қандай ҳаракат содир бўлмаганига қарамай, уч хонзодани қамоққа олдилар. Ҳожи Содикбек ҳеч қачон ҳукумат даъвосини қилмаган, жаноб Худоёрхон унинг ҳаққида қариндошлик силаи раҳмини бажо келтириб, у ва ўғли учун хазинадан маош ва нафақа тайинлаб, ўз марҳамати қаноти остида парвариш ва тарбият қиларди. Андижон ҳокими *махдумий* аъзамий саййидларидан бўлмиш Эшон Мулло тўрани Худоёрхоннинг сипоҳ ва одамларидан қўлга тушган бошқа тарафдорлари билан бирга асирлик қайдига гирифтор қилиб, ҳаммасини аввал Намангонга сарҳанглар ва шаддод мулозимлар назорати остида жўнатиб, сўнг Марғинонга юбориб, у ердан Қаросув навоҳисига равона қилиб, баъзисини ҳазрат Юнус мазориди ва айримларини ҳазрат Аюб мақбараси қабтолида шаҳидлик даражасига етказиб, ул хонзодаларнинг маъсум ёшлигига қарамай ва гуноҳсиз бўлсалар-да ҳолига раҳм қилмай, *қипчоқ-қирғиз* сардорининг қалби ўта қаттиқлиги ва тош бағирлигидан ҳатто бутпарастлар ҳам қилмайдиган ана шундай даҳшатли ва гуноҳ ишга қўл урдилар.

Шоҳмуродхоннинг амакиси Худоёрхон ҳукумати айёмида Хўжандда ҳокимлиги ва шаҳид хон Маллахон замонида Андижон ва Намангонда ҳаммаси бўлиб саккиз йил бўлди. Шаҳид Маллахондан сўнг амирлиги хонлик тахтида қариб уч ой ва ҳаёти йигирма бир йил бўлиб, ундан ўринбосар фарзанд қолмади.

*Қирғиз-қипчоқ*лар бу янглиғ кўп зулмларни амалга ошириб, бу ишлардан кўнгиллари тинчигач, Фарғона мамлақати ён-атрофидаги барча ашроф ва аёнларни жабру ситам билан истаси-истамаса ҳам йиғиб келиб, султон Саидхон ибн шаҳид Маллахонни бир минг икки юз саксонинчи (1280) хижрийда еттинчи сафар ойида²⁰⁷² Фарғона ҳукмронлигига кўтардилар. Мулло Алиқули Фарғона лашкарининг сипаҳсолор ва *амир лашкари* қилиб тайинланди, Мингбой унинг нойиби бўлди, Шодмонхўжани Тошканд ва Туркистон волийси қилиб, исён аҳлига шерик ва мададкор бўлган сардорлардан ҳар бири катта мансабларга ўтқазилди. Жаноб Султон Саидхон тил булбулини ҳамиша бу таронага мутараним қиларди. **Байт:**

Шукри худо ки ҳар чи талаб кардам аз худост,

²⁰⁷¹ “Манғит” сўзидан “ривож” сўзининг абжод ҳисобидаги сонларини айрилсак 1280/1863-64 чиқади.

²⁰⁷² 24 июль 1863 йил.

Бар ниятҳои давлати худ комрон шудам.
[Худога шукрим, худодан нима тилаган бўлсам,
Охири истаган давлатимга эришдим].

Алқисса. Ҳар бир нафасда икки неъмат мавжуддир ва ҳар бир неъматга бир шукр вожибдир.

Байт:

Аз дасту забоне ки бар ояд,
Ки ўхдаи шукраш ба дар ояд.
[Кўлу тилдан келган нарса бўлгач,
Шукр уддасидан ҳам чиқмоқ керак].

Алқисса, маълум ва равшан бўлсинким, бу ишлардан тинчигач, Ёрмазорда ўта дабдаба билан чексиз даражадаги ҳашамат байроқларини ҳилпиратиб, пойтахт Хўқанд сари юриб, Яккасон мавзесида //301^a эшон Шоҳраҳматуллоҳнинг уйига қўш ташлаш нуруни солдилар. Эртаси куни олиймақдор шаҳриёр неча бир салтанат ва чексиз дабдаба билан вилоятнинг кўзни қувнатар доруссалтанаси қалъаси четида хушҳаво ва фазоси фархунда манзиллардан бир манзилга етишиб, кечаси ўша ерда осойиш чодирини тикладилар ва истироҳатнинг айшга мойил бошини фароғат ёстиғига қўйдилар. Одамлардан бир бўлаги эса шошилиш равишда шаҳарга ва бир гуруҳи салтанат лузум қадам етишгани хабарини бериш мақсадида вилоят улуғлари сари кетдилар. Кейин ўша кечаси барча аён ва юксак шонли арконлар бари биргалашиб, мазкур мавзеда қолиб, йўл ва сафар чангу ғуборларини тараддуд юзидан дам олиш суви билан ювиб, шаҳарга киришга тайёр бўлган кўйи қарор ва ором олдилар. **Назм:**

Саҳар кард бори азим сипехр,
Намудор шуд фавжи хоқони меҳр.
Зи дарвозаи машрик омад бурун,
Сипоҳи тажаллий ба йўмну суқун.
Сипаҳдори субҳ он сари хайли нур,
Зи раҳ гарди зулмат бар афканд дур.
Шаҳаншоҳи хуршеди олам афрўз,
Алам зад ба шавкат ба майдони рўз.
Равон шуд ба дашти фалак бо шукўх,
Ба давраш бо анвор фавжу гурўх.
[Саҳар катта юкни кўтарди осмон,
Қуёш хоқони гуруҳи кўринди.
Машрик дарвозасидан чиқди ташқари,
Тажаллий қўшини бахту тинчлик билан.
Тонг сипаҳдори ул нур гуруҳи боши,
Йўлдан супуриб ташлади зулмат чангини.
Оламни ёритувчи қуёш шоҳаншоҳи,
Кундуз майдонига байроқ тикди шавкат-ла,
Юрди фалак даштига давлат ила.
Атрофида нурдан даста-ю гуруҳ].

Давлатнинг мангуга уланган пойтахти соҳиблари тонгнинг содиқ хабарчиси, яъни жаҳонни кезувчи қуёш чиқиши чоғида бу хабар интизорлик машриқидан ва умидворлик уфқидан порлаб кўрингач, шаҳар катталари ва замон олимлари истиқбол оламининг нур етказувчиси ва мансабу буюкликнинг зиё таратувчиси бўлиб, йўналиш отининг жиловини эҳтиром йўли сари буриб, ният сарҳадига етишган кўйи ёқимли услуб ва иззат-улуғлик одоби тариқи бўйлаб истиқомат қадами ҳамда шавқу иштиёқ билан интизорлик йўлининг қабул оёғини босиб келишаркан, узоқдан осмон даргоҳли, мухташам ва баланд шонли, кайвон айвонли муаззам хоқоннинг қутли мавкаби қораси кўрингач, истиқбол ҳашамининг гуруҳи ўта қувончдан валий мартабалик ҳазратнинг ҳузурига ошиқиб, отдан тушган кўйи жонлари дуосига машғул бўлганча ушбу мазмунга мутаранним бўлдилар. **Назм:**

Ба нешҳои абрў дар шикоят,
Ба тундиҳои мижгон дар сиёсат.
Ба жон бахшидан лаб дар табассум.
Ба руҳ афзойи тарзи такаллум,
Ба хатти мусҳафи дил, яъни обам,
Ба сатри орзу, яъни тикобам.

Ба рўй к-зи дили пур дард хезад,
Ба фарри боде ки бар жон барқ резад.
Ба теғи абрўй зи жон буридан,
Ба рафтори қаддаш аз худ рамидан.
Ба жони зиндаги, яъни нигоҳат,
Ба нури дида, яъни хоки роҳат.
Ба жон додан ба зери теғи бедод,
Ба ғалтидан хоки пойи жаллод.
Ба теғ ҳавола намуданҳои қотил,
Ба хок хун тапиданҳои бисмил.
Мажнуни баҳор хат дамидан,
Ба водии музаллаф чеҳра дидан.
Базм кардан зи дасти бехудиҳо
Баҳам хуфтан зи чашми ваҳми анқо.
//301^б Ба он дил гирифт ором гирад,
Ба жоне гар ҳалокат ком гирад.
Ба пўшидани назар аз рўйи дунё,
Наво кардан ба раҳти таманно.
Ба даст афшоний бахшиш ниҳодон,
Ба истифои ҳиммати хонзодон.
Ба зиндони жаҳон бар бод дода,
Ба мастон ба хоки раҳ фитода.
Ба ажз катраи дарё шиновар,
Ба заъф зарраи хуршед дарбар.
Ба мўре гар Сулаймон мулк орад,
Гадое гар ниҳон номус орад.
Ба адл хусравони додгустар,
Ба илм олимони шаръ парвар.
Ба ихлос дилам бар дарғаҳи шоҳ,
Ба иқбол сарам аз хоки даргоҳ.
Ба он сидқе ки дорам бар хаёлаш,
Ба умеде ки дорам аз рикобаш.
Ба он давлат ки дар соҳибқиронист,
Ба он нусрат ки дар кишварситонист.
Ба теғи ғозиёни лашкари ў,
Ба одоб муқимони дари ў.
Ба росих бандағони жонсипораш,
Ба сар ёрони Рустам иқтидораш.
Ба жони ман ки аз жон бандаи ўст,
Нисори мақдами фархундаи ўст.
Ба умри ман ки бошад сарфи роҳаш,
Бувад дур аз кудурат дар паноҳаш.
Ба сидқ бандағий дар тийнати дил,
Ба ҳақ эътиқод нияти дил.
Ки ё раб парда бар дор аз баёнам,
Руҳи гуфтор бинмо бар забонам.
Диламро соз гулзори маоний,
Забонамро бахш ранги хушмаоний.
Ба савти булбул килкам асар дех,
Зи асрори навосанжон муфассар дех.
Баҳори хотирамро соз хуррам,
Ба жайби ғунчаи дил зери шабнам.
Ки дар мадҳи шаҳи фирдавс авранг,
Намоям ранг аз бўй-бўйи азранг.
Чу гардад субҳ васфаш хотир афрўз,
Шавад шомам сабоҳи рўзи наврўз.
Ба зеби ин гулистони маоний,

Кунад субҳ баён шабнам фишоний.
Ба шохи сатри ин иқболнома,
Шавад минқори булбул шақ хома.
Илоҳо, соҳибашро бахш иқбол,
Ба кишваргирии давлат маҳу сол.
Бинех бар торакаш тожи саодат,
Ба сони жовид бар тахти халофат.
Ба дасти давлаташ деҳ теғи нусрат,
Сари хасмаш биафкан дар ҳазимат.
Дарашро қиблаи аҳли жаҳон соз,
Ҳаримашро малойик посбон соз.
Зи сахар пур шукуҳ шахриёри,
Бикун бар абарвон ҳукм жорий.
Адувро кештии давлат нигун соз,
Танашро ғарқ дар гирдоби хун соз.
Ба фонуси фалак то шамъи хуршид,
Бувад равнақ пазир аз нури тоид.
Карам фармо ба қандили саодат,
Чароғи шавкаташро нури давлат.
Биёр, эй соқий, паймонаи жовид,
Диламро нашо бахш аз жоми умид.
Гар кардам аз сабуи фикр шодоб,
Шавам масти майи маъни ба ҳар боб.
[Қош наштарларида шикоят,
Киприк ўқларида эса сиёсат.
Жон беришда табассум ила,
Рухга қувват сўз тарзи-ла,
Дил мусҳафи хати, яъни сувман,
Орзу сатриман, яъни ариқман.
Дилда дард қўзғатувчи юз ила,
Жонга ўт солувчи шавкат ила.
Қош теғи билан жон кесмоқ,
Қадду қомати билан ўздан кетмоқ.
Ҳаётлар жони, яъни нигоҳинг,
Кўзлар нури, яъни оёғинг чанги.
Жон бермоқда аёвсиз қилич остида,
Йиқилишда жаллод оёғи остига.
Қотилнинг қилич кўрсатишида,
Қонли хокда чала жон типери.
Баҳор мажнуни майса унганда,
Ҳаёсизлик водийсида чехра кўрмоқ.
Ўздан кетгунча базм айламоқ,
Анқо кўзи ваҳмидан кўз юммоқ.
Шу кўркув билан ором олур,
Жони ҳалокатда мақсадин топур.
Дунё чехрасига ҳеч боқмаслик,
Таманно тўшагида дам олмоқ.
Қўл силкитиб бахш этмоқ,
Ҳиммат истифосини бермоқ.
Жаҳон зиндонида барбод бўлиб,
Мастлар билан тупроққа беланиб.
Ожизликда денгиз қатраси сузгич,
Заифликда сарой қуёшин зарраси.
Чумолидан Сулаймон мулки безакли,
Гадо номусини бекитган ганжли.
Додга етар шоҳлар адолати билан,

Шариатпарвар олимлар илми билан.
Дилим ихлосга лимдир шоҳ саройида,
Бошим иқболли даргоҳи хокидан.
Хаёли билан эрур мендаги садоқат,
Узангисидан бор умидим.
Ул соҳибқироний давлатга,
Юрт олувчилик зафар, нусратга.
Қўшини ғозийларининг қиличига,
Бўсағасининг одобли бандаларига.
Тўғри ишли жон берувчиларига,
Рустам иқтидорли ёронлари бошига.
Жондан банда бўлмиш жоним,
Бахтли қадамига нисор ул жоним.
Йўлига сарф бўлгувчи умрим-ла, ки,
Паноҳида қайғудан эрур йироқ.
Сидқ ила бандалик дил тийнатидан,
Ҳаққа эътиқод дил ниятидан.
Эй Худо, баёним пардасини оч,
Гуфтор юзини кўрсат тилимга.
Дилимни маъноларга гулзор қил,
Тилимга чиройли мазмун бахш эт.
Булбул товушини қаламимга ёр қил,
Наво билувчилар сирлардан огоҳ эт.
Кўнглим баҳорин яшнат, хуррам қил,
Дил ғунчаси тугунин очиб шабнам-ла.
Жаннат тахтли шоҳ мадҳида,
Бенаволик рангидан қутулиб куйлай.
Тонгда васфи кўнгулни ёлқинлатсин,
Шомим эртаси Наврўз бўлсин.
Бу маънолар гулистони зийнати,
Тонгда шабнам сочишни баён қилсин.
Бу иқболноманинг сатри шохаси,
Булбул тумшуғидек қалам бўлсин.
Илоҳо, тахт соҳибига иқбол бахш эт,
Давлати мулк олсин ой, йил – мудом.
Бошига саодат тожини қўй,
Подшоҳлик тахтида мангу ўтирсин.
Давлати қўлига зафар қиличин тутқаз,
Душмани бошин жаҳаннамга улоқтир.
Эшигини жаҳон аҳлининг қибласи қил,
Ҳарамида малакларни посбон қил.
Шаҳриёрнинг шавкатини зиёда қил,
Зўравонлар устидан ҳукмлар чиқарсин.
Душманнинг давлат кемасин тубан қил,
Танини қон гирдобига ғарқ қил.
Фалак фонуси билан қуёш шамигача,
Илоҳий тақдирдан равнақ топгувчи бўлсин.
Карам қил саодат қандилини,
Шавкати чироғига давлат нурини.
Келтир, эй соқий, мангулик қадаҳини,
Дилимга маза бер умид жомидан.
Агар фикр кўзасидан бўлсам хурсанд,
Бўлай маъно майига маст ҳар бобда].

Дил ғунчаси муножот насими билан очилгач, қози-юл-ҳожот даргоҳида соҳибқироний давлат дуоси адо этилгач, хаёл оламининг рангин чаман зотлилари ва бардош Эрамининг баҳор таъблари гуфтор тароватини эшитилиш димоғига етказиб, вилоят муборакбодлиги ва давлатнинг истиқомати тинчлиги борасида яқин бўлмиш ҳурмат аҳлига хушхабар бериб, тўла иззат ва кўп обрўмандлик

билан мазкур қувонч билан туганган ойнанинг сешанба куни ул обод манзилдан жаҳон халқининг роғдек майдонли, //302^a қувончни орттирувчи ва кўнгилларни очувчи Қатағон боғида манзиллар тутиб, шу ерни иззату иқбол чодирлари маконига ва зафарли лашкар аҳли оромгоҳига айлантирдилар. Қишлоқ ва шаҳар фуқаросининг ул гуллаб-яшнаган манзилга улуғ мансаб эгасини табриклаш ва муборакбод этиш учун келиши кундан-кун ошиб-ортиб, тарафдор одамларнинг пешкашлар билан келиб-кетиши равнақ даражасига етиб, дур сочувчи сўзлар воситасида жонлари дуоғўйлигини қила-қила қайтар эдилар. Бундан кўп вақт ўтиб-ўтмай ўша айёмдаёқ вилоят ишлари асосини тиклашга киришиб, барча ёшу каттани ўзидан хурсанд ва рози қилиб, Хўжанд вилояти фатҳига кўз тикдилар. Аммо олдинига ишончли ишбилармон ва ақлли-хушли одамларни жаҳон ботири Дўстмуҳаммад *қароқалпоқ* олдида дилга ёқар насиҳат ва насиҳат мисолли ваъзлар билан юбориб кўрдилар. Бу иш бир неча бор амалга ошди. Аммо ул ўжар киши бош тортиш ва рад этиш тошлари билан қабуллик ойнасини синдирган кўйи, келганларни мақсадга етказмай қайтариб юбораверди. Кетма-кет равишда сўзга чечан элчилар ўз вазифасинини яхши бир тарзда адо этиб, қанчалик муносиб, жўяли фикр айтмасинлар, ҳеч бирига қулоқ солмай, ижобат ечими билан ҳал этмасди. **Назм:**

Чу дар сар фитад тундбоди ғурур,
Чароғи тараб монад аввал зи нур.
Сари пур зи нухувват ба зону манех,
Мабодо ки дар жабинат афтад гирех.
Сари нухувват андўзро мағз нест,
Паҳл гир, к-ин пеша нағз нест.
[Бошга мағрурлик шамоли тушса,
Аввал шодлик чироғи нурдан қолар.
Манманликдан тўлган бошга эгилма,
Манглайингга тушмасин сўнг ажин.
Манман, такаббур бошда мия йўқ,
Ўзинг четга ол, бу хислат яхши эмас].

Шу сабабли ул ғафлат босганни уйғотиш учун Мингбой баҳодир *қипчоқ*нинг нусрат асар лашкар аҳлининг пешрави бўлмиш шермардларини зафар гавдали лашкарнинг катти йиғини билан қайси йўлдан хоҳласалар, ўша йўл орқали Хўжанд устига юришга амр қилдилар. **Назм:**

Сари ганж дасти карам бар кушод,
Сипахро бадоду деҳаш кард шод.
Ғаний гашт лашкар зи пас хоста,
Равон сипоҳе бас ораста.
[Карам қўли хазина эшигин очди,
Қўшинни берадигани ила этди шод.
Лашкар бой бўлди, сўнг туриб,
Юрди ораста саф билан ул сипоҳ].

Шу тариқа барча бажариши шарт бўлган шоҳлик фармонида биноан лашкарнинг қароргоҳи жилову ул томонга равона бўлди. **Назм:**

Зи овозаи азми шери жаён
Бижунбид яксар заминун замон.
Биларзид кўх, бижунбид дашт,
Хурўши сипоҳ аз фалак дар гузашт.
Зи ҳар жонибе рояте шуд паид,
Равон фавж-фавж аз сипаҳ даррасид.
Зи баси жавшан лашкар зи бироҳу роҳ,
Басити замин танг шуд бар сипоҳ.
Ҳама бо дили шоду бо сози жанг,
Ҳама гети афрўз бо ному нанг.
[Йирткич шернинг юриши овозасидан,
Замину замон бирдан титрашга тушди.
Тоғ қалтиради, дашт қимирлади,
Қўшин шовқини фалакдан ўтди.
Ҳар тарафдан бир байроқ кўринди,
Тўп-тўп бўлиб қўшин равон етиб келди.

Йўлдан, четдан келар қўшин темир совутли,
Ер майдони тор келиб қолди қўшинга.
Бари шод кўнгил, уруш созин чалиб,
Бари олам ёқувчи, ному орият билан].

Қўшиннинг юлдузга етар байроғи ул томон сари юз тутганча юриб кетгач ва бир қанча масофаларни босиб ўтгач, мақсаду манзил сарҳадига етишдилар. Вилоятнинг ўтлоқ ва экинзорига тегмасдан, қалъа қамалига киришдилар. Эртаси куни қуёш жанг хабарини фаранг юртига нурли олам орқали етказгач, Бухоро ва Ўратепа томондан келган айрим илғор гуруҳлар димоғлари такаббурлик исига тўлиб, уруш мутасаддиси билан шаҳардан ташқари чиқиб, ул тарафга қараб бақириб-чақириб, оламини шовқинга тўлдирдилар. //302^б Довруқли мардлар бу сингари бир лаҳзалик шовқин-сурон хужумларига эътибор бермай, бирданига найзаларни номус қўлига олиб, икки тараф-уч тарафдан шамолдек учар, тоғ-тошдан ошиб ўтувчи, дашт-саҳродан кечувчи таковарларга қамчи уриб, ул бесифатлар томонга шундай бир ҳамла урдиларки, бу мардларнинг олови шўъласи ва оламини куйдирувчи чакмоғи чакнашига чумоли оёқ чўлоқлар қандай тоқат қила олишарди? Олдинда қочиш ва орқадан қувлаш пойғаси бошланиб, илғорлар қалъадан қанча тез чиққан бўлсалар, шунча тезликда қалъа таги ва хандақ четигача урилиб-сурилиб, ўлиб-яраланиб қоччишга тушдилар. Шу оз фурсат ичида улардан қолган мурдалар уюми кўчанинг икки тарафида қалашиб ётар, ярадор бўлганларнинг эса сон-санок ва ҳисоб-китоби йўқ эди. **Назм:**

Инонҳо якбора партофтанд,
Ҳазимат кунон тез биштофтанд.
Якero дар афтод аз сар кулоҳ,
Дигарро сар афтода бар хоки роҳ.
Якero таковар дар омад ба сар,
Зи пушти таковар фитод он дигар.
Набуди миёни сару худ фарқ,
Ки дар хун дар он размгаҳ буд ғарқ.
Атоқа чу мурғони бисмил шуда,
Пар аз хун зи шамшери қотил шуда.
Зи таркаши камаргоҳ пардохта,
Уқобон пару бол андохта.
[Жиловларни бирдан тортдилар,
Йўналиш билан тез ошиқдилар.
Бирининг бошидан тушди дубулға,
Бошининг нақ боши думалади ерда.
Бирининг устига таковар бостириб келди,
Униси эса таковар устидан қулади юз тубан.
Бошу дубулға ўртасида фарқ йўқ эди,
Ҳар иккаласи майдонда қонга ғарқ эди.
Атоқа чала жон қушлар каби бўлганди,
Пари қотил қиличидан қонга тўлганди.
Белдаги садокдан отилган,
Ўқлар бургутдек қанот қоққан].

Қанчалар эса қочиш йўли аён ва тўғри йўналиш жойи маълум бўлмасин, жон кўркуви бошга келгани сабабли азоб майдонини ихтиёр қадами билан босиб ўтиб, ўлим захрини ҳаёт асали ўрнида билар ва кўркув майдонига таслим шиорини ёзардилар. Шундан омон қолганлари қалъа таги ва дарвоза яқинига етиб олиб, орқаларидан эшик ва дарвозаларни маҳкам ёпиб, девор устидан ботирларни ўқ ёмғири остига олиб, қайтаришга бел боғладилар. Аммо шу жангдан кейин ул юраксиз номардлар дилида қаршилик тоби қолмай, ўн беш кунгача ҳаётларини қамал балоси ва машаққат сиқувида ўтказдилар. Давлат устунлари ҳам бу вазиятга қараб, қалъа фатҳининг осонликча қўлга кирмаслигини англадилар ва йўналиш жиловини ул вилоят экинзор ва даласи сари буришга қарор қилиб, бу ишга руҳсат бериш борасидаги гапларни барчага маълум қилдилар. Каттаконларнинг бу қарори шаҳарнинг ташқарида турган фуқароларига маълум ва аён бўлгач, юракларига беқарорлик тушиб, тоқатлари тоқ бўлди ва қўлига чўп борми, таёқ борми олиб, ўз шаҳри дарвозаси томонга кетдилар. Сўнг ҳар маҳалладан қувонч аломатли хабарлар билан Мингбой *додхоҳ* хузурига одам юбора бошладилар ва ушбуларни арз қилдилар: - Қандай бўлмасин бир иложини топиб, жангда чиниққан бир неча минг кишингизни сўқмоқ йўлдан қалъа атрофига юборинг, улар келиб қалъани бахиллар гўридан ҳам торроқ шаклда ўраб олсинлар. Иншооллоҳи таоло бизлар ичкаридан туриб,

илғорларни уриб хайдашга киришамиз ва қай бири қочиб ташқарига чиқса, турган гап сиз жанобларнинг қўлига тушади. Умид борким, шу йўсин билан уларнинг еганлари бурнидан чиқарилади.

//303^a Бу иш маслаҳати икки тарафга ҳам маъкул бўлгач, бир неча минг киши ўтиб, сўкмоқ йўлни эгалладилар. Тарафларнинг келишилган қарори амалга ошгач, бирданига донгдор фуқаролар ул илғорлар билан урушга кириб, «ур манғитни» дея бақириб-чақирган кўйи келгиндиларни уришга бошладилар. Бу диёрда яшаб турган ҳар бир кишига бу йўлда жондан кечиш савоб, келгиндилар учун эса эсон-омон уйларига етиб олиш афзал кўрингани сабабли тезда шаҳар дарвозасини очиб қочишни ихтиёр этдилар. Чикқач эса юқорида айтилганидек, пойлаб турилган ерда музаффар лашкар қўлига тушдилар. Давлатга бахт ёрлиги натижасида оз фурсат ичидаёқ кўп сонли душманни ҳар томонга тарқатиб юбордилар. Дўстмуҳаммад *қароқалпоқ* эса озгина тарафдор кишиси билан Арк ичига камалиб олди. **Назм:**

Парешон шуд он лашкари бекиёс,
Нагунсор гашт он каёний асос.
Аз гардиши чархи нилуфари,
На ҳоким ба жо монд, на лашкаре.
[Чексиз қўшин тарқаб кетди,
Каёний асослик ер тубан бўлди.
Нилуфарий осмон айланишидан,
На ҳоким ўз ўрнида қолди, на қўшин].

Бу машъала афруз воқеадан сўнг фатҳу феруз билан шаҳар ичига кириб, Акни қамал қилишга тушдилар. Дўстмуҳаммад буни кўриб, ўзининг пишмай қолган хом-хатала хаёли қозонига чўмиб, сулҳ тадорикидан ўзга ҳеч нарсани кўнгли ойнасига сиғдира олмади. Ноилож ишончли одамларидан бир нечтасини ташқари чиқариб, сулҳ ва ярашиш қарорини билдирди. Мингбой *додхоҳ* ҳам ризолик бериб, унинг тadbир хаёли истагида нима бўлса, ҳаммасини бажонудил қабул қилиб, ўз олдига чақириб олди ва ул пасткаш ҳаққида кўп марҳамат навозлик адо этиб, мулукона сарупо ва тилло жабдуқли от тортиқ қилиб, кундан-кун иззатини оширди. Аммо Дўстмуҳаммаднинг кўнглига хавотир йўл топиб ва давлат амалдорининг бундай иззат-хурматли муносабатидан уялиб, шу кўрқув ва андиша кучи билан кўп ўйлагач, беш-олти кундан сўнг Бухоро томон йўлга тушиб, орқасига қарамай қочиб қолди. Хайрият анжомли ғалаба саранжомдан кейин хайрият асарли арзадоштни соҳиби зафар Султон Саидхон ҳузурига нима ҳодиса рўй берган бўлса ва ул маккор марднинг қочиб кетганини шарҳи ҳолга киритиб юбордилар.

Хон жаноб Мингбой *додхоҳ* борасида жуда кўп марҳаматлар кўрсатди. Аммо Хўжанд мамлакатини Мирзо Аҳмад туз тутгир ҳаромига бериб, ўша ёққа юборди. Мирзо Аҳмад масофаларни босиб ўтгач, ул манзил ҳудудига етишиб, Оқбўтабий қароргоҳида жойлашди. Барча сипоҳга ёппасига рухсат бериб, ҳаммасини иззат-хурмат билан макон ва оромгоҳига қайтариб юборди. **Назм:**

Зи ғайрат ба даст оядат ному нанг,
Зи ғайрат муроди худ ори ба чанг.
Касе к-ў зи ғайрат бар афрохт теғ,
//303^b Сари теғро бигузоранд зи бех.
Чунин гуфт он марди бедор бахт,
Ки аз ғайрат омад ба каф тожу тахт.
[Ғайрат била қўлга кирар ном, ор,
Ғайратдан муродингни қиласан ҳосил.
Ғайрат билан қилич кўтарган киши,
Қилич учини ўтказар илдизидан.
Шундай демиш ул уйғоқ бахтли одам:
Ғайрат билан келди қўлга тож, тахт].

Соҳибқироннинг жаҳонни безовчи Ўрдани курдиргани ва ул хушхаво манзилда давлат салтанатига ўтиргани ва Тошканд вилоятини Шодмонхўжанинг қўлидан тортиб олгани, унинг эса Алиқули амир лашкар қўлида ўлдирилгани зикри

Давлат ишлари вазияти, мамлакатдаги аҳвол, аҳоли турмуши ва бошқа хабарлар хон арзига етгач, салтанат тахти қароргоҳи ва давлат ходимлари ўтириб ишлайдиган жой ва иззату хурмат соҳибининг тахтгоҳи борасидаги фикрлар барча улуғлар эътиборига ҳавола қилинди. Ҳар ким

маоний ғаввоси ва баёний фикрат билан бошларини тафаккур ёқасига тикиб, чаман расолик хаёли ва зеболик қадду қомати билан тўти забонлик баёнга, булбул наволик гуфторга обу ранг берган кўйи хушҳаволикда Эрам гулистони ва жаннатдан нишон берувчи обод бир макон бўлмиш Жаҳон оро номли мавзедаги саройни таъмирлаб, уни яна янги иморатлар билан тўлдириш таклифини баён қилдилар. Барча олам аҳли учун юксак бир олий мақом бўлгани сабабли ул саройни тахтгоҳ этиш барчага бирдек маъқул тушиб, шул манзилга рағбат кўрсатилди. **Назм:**

Чи гўям зи ин латофат жойи Қулзум,
Ки зад мавжи сафо жойи талотум.
Ба жўши кавсар, жоми майи ноб,
Ба мавж чашмаи меҳри жаҳонтоб.
Ба сатҳаш аз ҳисоб бешумора,
Шукуфта наргисистони ситора.
Ба он нозук замини бо тароват,
Дамида сад гулистони латофат.
Фалак зи он манзил равшангари дил,
Бувад як кўҳна дўлобе ба соҳил.
Чу ба сахар бахтиёре жўш давлат,
Чу дарёйи зафар мавжи саодат.
Дидани беҳжат ҳаво соҳил ба ҳар жо,
Ба ҳар як хийма чандин шуру ғавғо.
Гуруҳе маҳфил орои маоний,
Гуруҳе чу хат аз шеър хоний.
Гуруҳе ғарқи танбуру тарона,
Мураттаб карда базми нозикона.
Гуруҳе дар амал дафтар кушода,
Насақ дар гирудор шаҳ ниҳода.
Чи девонони нозук тарҳи хуш баст,
Зи мино қалам гардид сармаст.
Ҳама бар остони дарғаҳи шоҳ,
Нишаста чун суҳан бар табъи огоҳ.
Ба ҳар як хайма шери жаёне,
Ба ҳар як хирғаҳ кўҳи дамоне.
Мубориз ширамардон ба тамкин,
Нишаста дар тафаккур Рустам ойин.
Яке аз фикри кори жанг масрур,
Яке андар таваккал гашта мағрур.
Яке андешаи майдон намуди,
Яке сар бар туроби сидқ суди.
Якero дар хаёлаш буд доим,
Ҳавои аҳзи амволу ғаноим.
Якero фикри даъват кардани дин,
Яке аз завқи маҳбубон рангин.
Дар он жое чунин буданд масрур,
Ба иқболи шаҳ аз Жам чун тараб дур.
[Бу Қулзумдек жой латофатин не дей,
Тўлқини сафо мавжини урар бир жой.
Кавсар кўпириши, қизил май жоми,
Мавжи жаҳон кезувчи қуёш булоғи.
Сатҳининг ўлчови ҳисобга сиғмас,
Чақнаган юлдузларнинг наргисистони.
Ул назокатли ерда тароват ила,
Унган минг хил латофат гулистони.
Фалак ул манзилдан равшан, дил,
Эрур эски оламда яшнаган бир соҳил.
Саҳарда бахтиёрдек давлат жўши,
Зафар денгизидек саодат мавжи.
Гўзалликни кўргали осмон ҳозир,

Ҳар бир чодирда неча бир туғён.
 Бир гуруҳ маънолар йиғинин беагаи,
 Бир гуруҳ хонлик шеъридан нома.
 Нозикона базм тартиб беришган,
 Бир гуруҳ амалда дафтар очган,
 Шоҳ давлати хужжатин ёзишган.
 Хуш бичим, нозик қомат девонлар,
 Мино сиёҳдан бўлди сармаст.
 Бари шоҳ даргоҳи остонасида,
 Ўтирган огоҳ таъбли сўз каби.
 Ҳар чодир ичида йиртқич шеър,
 Ҳар чодирда тоғ келбатли девлар.
 Оғир-босиқ жангчи шер эранлар,
 Ўтирарлар Рустам қоидали фикрга ғарқ.
 Бири жанг иши ўйидан шод, масрур,
 Бири таваккал ишидан ишонча, мағрур.
 Бири жанг майдони фикрида ўтирар,
 Бири садоқат хокига бошини суркар.
 Бирининг хаёлида эрур доимо,
 Уруш ўлжасин қўлга киритмоқ ҳаваси.
 Бирининг фикри динга даъват этмоқ,
 Бирининг юзи маҳбублар завқидан алвон.
 Ул ерда шундай эдилар шоду хуррам,
 Шоҳ иқболидан Жамшиддан ҳам шодрок].

Бу иш бўйича масъул кишилар топшириқ олгач, ўз фаолият ўринларида жойлашиб, мамлакат соҳибларининг ҳар бири давлатнинг хайрли қароргоҳи тарҳини қайтадан тузиш ва ул латофатли сарманзилда шавкат шаҳриёри ва ҳашамат мавкабини бино қилиш мақсадида Моний²⁰⁷³ сифат уста ва шогирдлар ёрдамида дарҳол ер сатҳини янги қурилиш учун ҳозирлаш ҳамда эски сарой деворларига кўз камаштирар рангли нақшу нигор билан беааб, //304^a салтанат асъасаа-ю дабдабаси билан ул эгри қурилган иморат тарҳига дарвоза жойи ва тоқ, қабулхона ва пештоқли равоқларни ҳам киритиш белгиланди. Шундан сўнг шуқуҳли ва салобатли хусравона қабулхона, фалак дастгоҳли соҳибқироний ибодатгоҳ, султонлик тахтини безовчининг шаҳнишин тахтгоҳи, шунингдек сарой ёнида хазинахона, қўрхона, нақорахона, ошхона ҳамда отлар учун сайисхона, турмуш ва посбонлик учун зарур барча лавозим асбоблари омбори, Ўрда бозоргача ҳаммасини ўз ўрнида барпо ва мураттаб қилиб, ул олий тароват сарманзилга шундай зийнат бағишландики, ул гулистон саҳни арғувон шохли ва сунбул юзли ранг-баранг гуллар билан ҳам безаниб, сарбаланд бу заминдан минг ранг латофат шабнами томчиларди. Хуллас, ажойиб бир майсазор юзага келиб, унинг беҳжат ойинли заминда чодирлар эмас, балки лола каби ғиштин деворли сарой қад кўтарган, шавкати шарофатидан бу ўрмонзорнинг ҳар бурчагида шер ва арслонлар ўрнига, темир кийган мардлар турарди. Дарахтлари соҳибқироний ҳашмат баҳори файзидан юлдуз шуқуфасини ёйиб, шоҳида субҳ нахлидек хуршид меваси етилган эди. Агар заъфарон сифат хошок бу беҳишт ойин заминда ўсгудек бўлса, худди Эрам боғи заминда ўсган наргис гулидек эътибор топарди. Сунбулнинг торлари парилар зулфи каби кўринар, тиканлари хурларнинг кипригини эсга солар, баҳори фирдавс боғидан дарак берар эди. Хуллас, бутун саҳн тароват супургиси билан саранжом-саришта қилинган, чамани ва хиёбонидаги бир даста гул мингта гулшан рангини намоён этар, унинг файзидан дарахт шоҳида ўтирган ҳар бир куш бургут овловчига айланиб, чиройи жон ва ҳаёт ғоратига кўз тиккан. **Назм:**

Гулистоне чунин маъмур ва момун,
 Надида дар жаҳон сайёҳи гардун.
 Саропо нашои жўши баҳорий,

²⁰⁷³ Моний – Моний ибн Фатак (тахм. 216 - тахм. 277) монийяик таълимоти асосчиси. 3-а.нинг 30-й.ларида Эрон, Ўрта Осиё, Ҳиндистонга сафар қилиб, буддизм, брахманизм ва бошқа динлар билан танишган. Кейинчалик ўз таълимотини тарғиб этган. Бу таълимотни Эрон шоҳи Шопур I қувватлаб, уни христианлик ва маҳаллий динларга қарши қўйган. Моний зардушт қоҳинларининг қаршилигига учраб, Эрондан қочишга мажбур бўлган. Унинг тарафдорлари Ўрта Осиё, Миср, Шарқий Туркистон (Синьцзян), Рим империясининг шарқий вилоятларида кенг тарқалган. 273 й. Моний Эронга қайтган, бир оз вақтдан сўнг қатл қилинган. Турли ривоятларда Монийнинг ўз даврида истеъдодли наққош, рассом ҳам бўлгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Зулоли соф дар ҳар гўша жорий.
Ба шохаш мурғ дар тасбиҳ сар гарм,
Зи тосираш дили дарё шуда нарм.
Найистонаш шакаррези ҳаловат,
Ба зери сабзааш хобида роҳат.
Зи фарру ҳашмати соҳибқироний,
Музайян чун биҳишти жовидоний.
Зи рангин хирғаҳи аҳшоми лашкар,
Ба ҳар жониб шугуфта лолаи аҳмар.
Теги шаҳи соҳибқирон ҳар сў хиромид,
Ба ҳар хору хасе иқбол бахшид.
Ки сидқи хусравони бо адолат,
Бувад сармояи иқболи давлат.
[Бундай обод ва бой гулистонни,
Жаҳонда кўрмаган дунё сайёҳи.
Бош-оёқ баҳор нафаси уфурган,
Зилол сув ҳар бурчакда оқиб турган.
Шоҳида қуш тасбеҳ ўгирмоқда,
Таъсирдан дарё дили мумдек эриган.
Қамишзори ҳаловат шакарин тўкар,
Яшил дараҳти тагида роҳат ухлаб олар дам.
Соҳибқироний шавкат-шоннинг бахтидан,
Мангу жаннатдек безанган юрт зийнат-ла.
Лашкар хайлининг қизил ўтовидан,
Ҳар ёнда қип-қизил лола очилган.
Соҳибқирон шоҳнинг оти ҳар сари юрди,
Ҳар бир тикану хасга иқбол руҳин берди.
Адолатли хусравлар тўғрилигидан шундай,
Давлат иқболининг бўлар сармояси].

Соҳибқирон шаҳзода назокат ўйлик инсон бўлгани туфайли ул иш мулоҳазасида закийтабъ, хушнигор одамларни ҳар раста ва бозорга мутасадди қилиб, давлат шаҳнишинлиги ободонлигига ва бегоналар қадамидан вайрон бўлмаслиги ишларига тайин қилиб, эмин-эркинлик билан Тошканд вилояти томонга йўналди. Бу сафарга //304^б қарор ва жазм қилинаркан, нусрат шиор аскарлардан мамлакат олишлик журъатида маҳкам турувчи кишини ёрдамчи суратида, балки юксак садоқати орқасида жон берувчилик хислатини намоён қилувчи эътиқоди кучли, ихлоси зўр бир неча минг одамни дафтарга олиб, шаҳриёрлик ойини билан ва хусравоний марҳаматлардан сарафроз қилиб, жўнаш юзини ул вилоят сари қаратдилар. **Назм:**

Алам зад офтоби шаҳриёри,
Фурўзон дар сипехри бахтиёри.
Равон шуд бо сипоҳи шавкат ойин,
Ҳама пуўшида хилъатҳои заррин.
Шуд аз зийнат дар он афсурда пайдо,
Руҳи саҳро чу мироти мусаффо.
Жанибатҳои шўх, барқ жавлон,
Рабуда гўй аз чашми ғазолон.
Шукуҳ афзо аламҳои музайян,
Чу нахли бахт бар сар соя афкан.
Зи жавшан зийнати он фаррух асоқир,
Намуди ҳамчу дарёи жавоҳир.
Мурассаъ пуш хосони муқарраб,
Зи ҳасрат меҳро афканда дар таб.
Зи маҳрамзодағони жома гулгун,
Шуда рангин зи гулшан саҳнҳо ҳомун.
Чи гўям аз аз фуруғи тожи шоҳий,
Зиё баҳшида аз маҳ то ба моҳи.
Чи шаҳе нур жабин бахтиёре,
Фуруғи дидаи нусрат мадоре.

Нузулаш бахти давлат партав афкан,
Биёбонро рухаш сахрои эман.
Чу шах хуррам баҳори боғи шоҳий,
Саро по файз алтофи илоҳий.
Зи абри давлаташ майдони сахро,
Чу фирдавси саодат хотир оро.
Аз рўяш бандағони пок тийнат,
Шуда гулдастаи банди бахти давлат.
Ҳама хуррам сиришт аз давлати ў,
Ҳама рашки беҳишт аз шавкати ў.
Бадин шавкат, бадин ҳашмат, бадин жоҳ,
Ҳама масрур мерафтанд дар роҳ.
[Байроқ тикди шахриёрлик офтоби,
Ёғдуланиб бахтиёрлик осмонида.
Йўлга тушди шавкатли қўшин билан,
Барчаси кийган олтин либослар.
Муз зийнатидан далалар ялтирар,
Дашт юзи ойнадек мусаффо.
Отлари шўх, чақмоқ жавлон,
Кийиклардан ютган чавгон.
Безакли туғлар шавкат оширувчи,
Бахт дарахтидек бошга соя солгувчи.
Ул бахтиёр аскар жавшани ярқираб,
Кўринар мисли гавҳар денгизи.
Яқин хослар мурассаъ тақинган,
Қуёш бундан рашкка тушган.
Қизил кўйлакли маҳрамзодалар,
Кийимидан гулшан сахни гулгун.
Не дейин, шоҳлик тожи ёғдусидан,
Зиё таралар балидан ойгача порлаб.
Қандай бахтиёр, нур пешона шоҳ,
Ғалабалар кўзининг чироғи эрур.
Тушганда инар давлат бахти партави,
Биёбонга бахш этар юзи тинчлик.
Шоҳ хуррам бўлса, шоҳик боғи баҳори,
Бошдан-оёқ илоҳий лутф файзига ғарқ.
Давлати булутидан сахро майдони,
Саодат жаннатидек кўнгилга берар оро.
Пок тийнатли бандалар чехрасидан,
Давлат бахтининг гулдастаси бўлган.
Барча давлатидан хуррам сириштлик,
Барча шавкатидан жаннатнинг рашки.
Шу шавкат, шу ҳашмат, шу мартаба ила,
Барча масрур кетмоқдалар йўл аро.

Уч кеча-ю кундуз давомида шундай эҳтиёткорлик қоидаси ва ул мукаррам равнақ билан йўналиш йўлини истиқомат қадами билан босиб ўтгач, ҳаммаси масрур ва шодком бўлиб, ҳеч бир фарсангда бирор тош мақсуд йўлига тушган жанобларининг истак оёғига озор етказмай, балки ҳар бир одимда жаҳон олишлик давлатига бирор мақсад ҳосил бўлиб, неча манзил ва бекатларни босиб ўтдилар. Шундан сўнг бир тонг маҳали соҳибқироний иқбол офтоби саодат шарқидан партав афкан бўлиб, шараф зиёсини Хўжанд мамлакати маъмураси юзига ташлади. Аммо бундан олдин шахриёрликнинг юриш ва йўналиш фармони чиққани шарафидан иқболу саодат муждаси ва давлату макрамат хушхабари Мирзо Аҳмад *парвоначи* ва Хўжанд маъмураси дор ус-салтанасининг барча ашроф ва аёнига, балки бутун халққа етган эди. Шу сабабли барчаси осмон жалол, хуршид иқбол соҳибқирон истиқболи учун икки-уч фарсах миқдорида пешвоз чиқиб, //305^a қуллик тупроғини ўпишга муяссар бўлган эдилар. Зафар асарли лашкар дабдабаси аломати ва нусрат маосир аскарлар тантанаси муқаддимаси кўриниб, соҳибқироний шукуҳ осори ва жаҳонбонлик байроқлари савлати

зохир ва ҳувайдо бўлгач, ер ўпиш саодати толибларининг бариси ва садоқат монус жонсипорларнинг ҳаммаси ўзларининг ҳаёт тухфаси ва жон ҳадясини қуллик қўлига олиб, қадамдан бош ясаб, югуриб кетдилар ва мулозимларига арзадошт қилиб, жаҳонбонлик олами отининг саодат хислатли қадами изини ўпишни илтимос қилдилар. Рухсат судури шарафидан сўнг ҳумоюн кўруниш саодатига эришиб, ҳар бири ўз рутбасига яраша мулукона марҳаматлардан сарафрозлик топиб, масрур ва аржуманд бўлдилар. **Назм:**

Зи рўяш офтоби бахт диданд,
Зи ҳарфаш муждаи давлат шуниданд.
Ҳама дар дил мунаввар кард к-ин нур,
Бар орад бахти мо аз шомидайжур.
Таманно буд моро инчунин шох,
Зи даргоҳи худо шому саҳаргоҳ.
Биҳамдуллоҳ ба побўсаш расидем,
Аз гардаш сурмаи давлат кашидем.
Чунин аз сидқ буданд дар шукр,
Руху дил бар замин суданд дар шукр.
Дигар шахро дуо гуфтанду гаштанд,
Паноҳат бо худо гуфтанду гаштанд.
[Юзидан бахт куёшин кўришди,
Сўзидан давлат хушхабарин эшитишди.
Барча дилин этиб мунаввар, дейишди бу нур,
Қоронғу тундан чиқарар бахтимизни.
Шундай шохни тилар эдик биз,
Худо даргоҳидан эрта-ю кеч.
Худога шукр оёғин ўпишга етишдик,
Чангидан давлат сурмасин қошга суртдик.
Сидқидилдан шукр узра бўлишди чунон,
Шукр билан юзу дилни ерга сурдилар.
Шоҳга дуолар айтиб қайтдилар,
Худо паноҳида сақласин, дея қайтдилар].

Хослар аҳволи ойнасига сайқал бериб, дил сўрашлик ва марҳамат кўрсатиш сафосини етказгандан кейин уларнинг умид ойнаси шахриёрликнинг бахту давлати нури билан жилоланиб, хон барча вилоятга сарафрозлик бағишлаган кўйи ҳиммат раҳши жиловини ва ҳашмат тавсанини Тошканд мамлақати томонга буриб, бир гуруҳ сарой аъёнлари қуршовида тўла салтанат ва чексиз шавкат билан Қурама вилояти қишлоқларига келдилар. Бироз муддат тамошо кўзини ул сарзамин ўтлоқ ва чаманзори наззораси учун очиб, ҳар томонни томоша қилган кўйи йўл юриб, қалъаси девори Искандар тўғонини ёдга солувчи Тошканд шаҳри ҳумоюнӣ назарга етган жойда азиз уламо ва эҳтиромли қозилар ва шаҳар катталари, замон амирлари барчаси замон соҳибига пешвоз чиқиб, узангини ўпишга мушарраф бўлиб, тўла иззат билан салтанат тахтгоҳига етказиб, ул маснадда ўтқазиб, жонлари дуосини қайтадан худодан тилагачгина уйларига қайтиб кетдилар. Шодмонхўжа қўшбеги қўлдан келгунча мулукона зиёфат қоидаларини ул замона хони олдида кундан-кун ошириб ва керагича тартиб бериб, давлат мартабасига яраша ул саодат нишон хизматида иззат тақдимига етказарди. Ҳукумат ишлари тугуни зиёфат муддаоси билан ечилгач, не пешкаш ва тортуқ бўлса, хон назаридан ўтказилди. Шу билан ишлар ҳал бўлгандек анжом топди. Аммо ҳол осойишидан сўнг сўз бошқача томондан очилди. //305^б Аниқроғи, ул камбахт Шодмонхўжадан ўтган қайсидир бир айб сабабли қачондир жаҳонпаноҳ юрагига бир кудурат йўл топиб, ҳалигача сақланиб қолган экан шекилли 1280 йилнинг раби ул-аввал ойи охирида чаҳоршанба куни тонгда уни назардан четлаштириб, тўғрироғи, ёмон бир ишда гуноҳкор қилган кўйи пайшанба оқшоми²⁰⁷⁴, яъни ўша чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси қатлга еткардилар. Ҳеч ким унинг ҳаққида қандай ҳодиса рўй берганини била олмади. Аммо, ҳар қалай, ўз қилмишларига яраша жазосини олди. **Мисраъ:** Бади макун ба касе, гар куни ҳамон ёби (Бировга ёмонлик қилма, қилган ёмонлигинг ўзингга қайтади.); Мулку амлок ва хазина ва дафинадан нимаси бўлса, озми-кўп бахтиёрлик ҳаракати билан ихтиёрлик қўлига олдилар ва шу ҳолотдан сўнг ҳукуматга одам тайинлаш мақсадида икки-уч кун истиқомат

²⁰⁷⁴ 1863 йили 7 октябрь. (раби ул-аввал ойининг охири 14 октябр, душанба куни бўлган. Муаллиф адашаётган бўлиши мумкин).

тўхтовини қилиб, маслаҳатга биноан ул давлатга Нормухаммад²⁰⁷⁵ додхоҳни муносиб кўрдилар ва ул вилоят салтанати билан сарафроз қилдилар. **Назм:**

Ба гарми рахт баст аз базми шоҳи,
Ба яғмо дод рахти каж кулоҳи.
Сабукбор аз матои рангу беранг,
Тиҳи даст аз шиканжи шиша санг.
Қадам берун ниҳод аз кишвари ҳуш,
Шуд охир дар ниқоби холиқ рўпўш.
[Шоҳлик базмидан кўчин йиғди,
Шоҳлик кўчини торож-ла талатди.
Рангли-рангсиз матолардан енгил,
Шиша азобидан тош куруқ қўл.
Қадамин ташқари кўйди ҳуш элидан,
Охир холиқ ниқоби ила юзин бекитди].

Бу ишлар воқеасидан кейин жаноб соҳибқироний *қирғиз-қипчоқ* амирлари билан бирга шоҳларнинг ясса ва йўсуни қондаси бўйича адолат ва олийжаноблик расмини бажо келтириб ҳамда ўзининг мақтов сифатли зотидаги инсофу меҳрибонлик хислатини аён этгач, яна юртига қайтишни ихтиёр қилиб, фатҳу ғалаба оғушида ҳар кун бир неча масофа йўл юрган кўйи салтанатнинг улуғвор пойтахтига етиб келди ва давлат қароргоҳи-ю истиқомат уйига бахту саодат ва каромат шарафини келтирди.

Тошканд сафарига чиқиш пайти сайқал пардоз усталарга ва иш тақсимланган ҳар бир вилоятнинг уста вакилларига иморат тарҳини созлагач, таъмирни бошлаш ва ҳар ким ўз устига юкланган вазифани ўз вақтида адо этиб, бажарилган ишни топшириш ҳақида олий буйруқ берилган эди. Ҳақиқатдан ҳам то хон қайтгунга қадар барча томонлар расталари қўлдан чиқарилибди ва иш учун унчалик чиқим бўлмай, кўрилган зиёну захмат ва осойишу роҳат учун ҳеч қанча пул сарфланмай, мардикорлик қўл ҳақи ва ётоқ-туроқ харжи арзимаган даражада сарфланган экан. Уста ва ҳашарчилар қаттиқ тиришиб, оз фурсатда, аниқроғи уч ой ичида иморатнинг қурилиш ва таъмирини қўлдан чиқаришибди. Буларнинг тиришқоқлиги ва ниҳоясига етказган иши-ю иморатни кўрган фалак кузатувчилари яхшилик қўлини бахту давлат пешонасига суриб, раҳмату офаринлар айтишибди. Иморат деворининг баландлиги сарафрозлик юзасидан Қаҳқашонга тенглашган ва кунгураси осмон юлдузлари билан баҳсу мунозара қилишар ва равнақни орттирувчи ҳар растаси Эрам боғини эсга солар эди. Мазали сувли анҳори жаннат остидан ўтувчи ариқлар каби тароват бағишларди. Бу турфа иморат ажойиб бир шўъбада ва ўйин кўрсатиб, йўқ-йўқ, балки тилсимотий таажжуб манбаи бўлиб, ақл билан қаралса, бир каромат юз берган ва ҳакам ҳукмлари ойини билан кузатилса, яхши аломатлар рўёбга чиққан эди. Чунки ўтган йилнинг раби ул-авали биринчисидан то ражаб ойигача улуғворлик тахтгоҳи саройининг иморатини шу даражада поёнига етказгандилар. Хайрият анжом иш саранжом топиб, охирига етгач, барча музофотлардаги //306^a олий насабли саркардаларни иморат тўйига чақирдилар ва бир неча кун мобайнида ул олий кишиларни шоҳлик зиёфатлари билан сийлаб, саодатли бир онда эса ул янги иморат сарманзили ичига таклиф этдилар ва барча амиру фозилларга мартаба ва даражаларига қараб, обу ош тортгач, мулукона саруполар тортиқ қилиб, узокдан келганларни тўла иззат-ҳурмат билан эл-юртларига кузатиб қўйдилар. Бу борада Баҳодирхон тўра Косоний жаҳонни безовчи иморат тўйи табриги учун бир таърихни назм ипига терганди. **Таърих:**

Баҳри таърихи жулусу тўй ва қаср аз руйи ақл,
Гуфт: «амир шаҳ Султон омад, гашт фирдавс жаҳон».
[Жулус, тўй, қаср санаси учун ақл юзасидан,
Деди: амир шаҳ Султон келди, жаҳон жаннатга айланди].

Мана бу таърихни эса олий дарвоза дарвозасини ўрнатганлари учун айтган эдилар. **Таърих:**

Баҳри таърихи ин ду дарвоза,
Зарраро амр шуд аз рўйи карам.
Мири хон қадам ниҳоду гуфт:
«Боби мушкилкушо» ниҳод рақам.
[Бу икки дарвоза таърихи учун,
Карам юзасидан заррага бўлди амр.

²⁰⁷⁵ Нормухаммад парвоначи Зодиёний – 1870-1872 йиллари Шарқий Туркистондаги Куча(р) ҳокими бўлган.

Хон мири қадам қўйди-ю, деди:
Мушкулларни ечувчи дарвоза деб ёзди].

Улуғ амирлар қаймоғи, буюклар бошлиғи, олий мақомли ва бу мамлакатнинг фармонфармоси, яъни жаноб амир шаҳ Султоннинг – *мулки ва давлати абадий бўлсин* – буйруғига бинонан Жаҳоноро мавзесида қад кўтарган олий арк ва қаср ҳамда юксак шонли, кўп равоқли гумбаз ва юксак дастгоҳли дарвозахонанинг тўғри пойдеворли пештоқи гулдастаси яратилиши муносабати билан Тўрахўжа эшон мунший Андижонийнинг назм таъби билан баён силкига терилган яна бир таърих эса ушбудир.

Таърих:

Дар ин замони фараҳ ақтарон, саъд анжом,
Амир Султони фаррухлиқо, мулк оро.
Гирифта тантанаи кўси жангу майдонаш.
Биллоди Руму ақолими Рус, мулки Хито.
Сахову базлу ато дар табиаташ маркуз,
Ҳаёву аҳду вафо дар жибилияташ пайдо.
Мадори мулку паноҳи жамии мазлумон,
Малозу маржаи арбобу эҳтиёжи аъно.
Ҳазор шукр зи лутфи аъмими раббоний,
Зафар мулозиму нусрат ҳамеша роҳнамо.
Расида бар сари ў подшоҳи тўқсон икки,
Бизад ба донишу биниш зи роҳ бе ҳижо.
Мутобеъон ҳама аз жоми давлаташ саршор,
Муҳолифон ҳама аз захри ҳайбаташ бе по.
Намуда амр надимони хоси дарғаҳи худ,
Ки то кунанд бино Ўрдаи Жаҳоноро.
Чунон макони фараҳбахши дилкушо ҳаргиз,
Надида чашми фалак Ўрдаи чунин асло.
Кашида ҳар яке аз тоқу пештоқу равоқ,
Ба сақфи гунбази ин чархи дун гўяд бино.
Аз он гуруҳи ақидат пажуҳи сидқшиор,
Ба қурб хос *ясовулбоши* аст Мир Бобо.
Давида аз пайи хизмат қадам намуда зи сар,
Ниҳода гўш ба фармон ситода бар по.
Намуда хизмати шойиста аз сари ихлос,
Гузашта рутбаи қадраш аз он жиҳат боло.
Дилаш чу ойина аз занги кин муназзеҳ бод,
Табиаташ чу ҳама дам жумларо ба сидқу сафо.
Намуда нуктаи таърихи он муҳандиси фикр,
«Равоқи гунбази олий шуда баса зебо».
[Қувончга лим, бахтга тўла ушбу замон,
Фаррух юзли, юот безовчи амир Султон.
Жанг майдони ноқорасининг товуши,
Олган Рум шаҳри-ю, Рус, Хитой мулкин.
Саховат, қўли очиқлик табиатида жамдир,
Ҳаё, аҳду вафо зотида кўп мужассамдир.
Мулк мадори-ю, барча мазлумлар паноҳи,
Эҳтиёж аҳли-ю эзилганлар мурожаатгоҳи.
Минг шукрим, раббоний меҳр лутфидан,
Зафар мулозими, нусрат ҳамиша раҳнамо.
Келди боши устига тўқсон икки подшоҳи,
Илму дониш зарби-ла сурди йўлидан кўркмай.
Тобеларининг бари давлати жомидан саршор,
Муҳолифларининг бари ҳайбати захридан тор-мор.
Қилди амр саройининг хос надимларига ки то,
Жаҳоноро Ўрдаси иморатини қилгайлар барпо.
Бундай қувонч бахш, дилгушо маконни ҳеч,
Кўрмаган фалак кўзи бундай Ўрдани асло.
Бўй чўзган тоқ, пештоқ, равоқининг ҳар бири,

Бу чархи паст гунбази шиптига тегар.
Ул эътиқодли-ю содиқ гуруҳдан,
Яқинликда хос ясовулбоши эрур Мир Бобо.
Хизмат кетидан югурди ясаб бошдан оёқ,
Солди тикка турганча хон фармонига кулоқ.
Ихлос юзасидан шойиста хизматлар қилди,
Шу жиҳатдан мартабаси қадрӣ ўсди кўп.
Дили ойнадек кин зангидан пок бўлсин,
Табиати ҳамиша сидку сафога тўлсин.
Таърихи маъносини қилди фикр муҳандиси,
«Олий гунбаз равоқи бўлди роса гўзал, зебо»].

Бошқа таърих:

Зи рўйи рифъат таъмири ин бино, таърих:
«Равоқи гунбази олий шуда ба малак сиймо».
[Бу баланд бино қурилиши учун таърих:
Олий гунбаз равоқи бўлди малак сиймо].

//306^б Бу таърих ҳам амир Саъид Султонхон мадҳи ва Жаҳоноро Ўрдаси қурилиши муносабати билан айтилган. **Таърих:**

Амири хусрав, давлат мадор, ба мулк оро,
Шаҳомат дастгоҳ, дин паноҳ, довару доно.
Ба дўши у муборак бод доим хилъати давлат,
Ба ҳукми ў ҳумоюн бод назми кори ин дунё.
Ба зери мақдамаш помол бошад маснади иззат,
Ба фарқи сар кулоҳи сардори доим бувад бар жо.
Рижол ул-ғайб аз шаш сў дуогўёни ў бошанд,
Ҳамеша Хизру Илёс аз камаргоҳаш мадад фармо.
Муаянаш дар ҳама авқот қутби ғавс ҳазрат бод,
Алами Муртазо дар жангҳо созад ионатҳо,
Ба жоми давлаташ фармонбарон масрур хуррам бод,
Ба захри ҳайбаташ мақхур бодо зумраи аъдо.
Ливои аъдол бар фарқаш ҳамеша соягустар бод,
Низоми шаръ аз ройи матинаш қоим бар по.
Илоҳо, офтоби шавкаташ доим бувад тобон,
Нигаҳ дор аз хусуфи чашми бад дар авжи истило.
Мададкори ту раббиллоламин бодо ба ҳар сурат,
Нигаҳдори ту хайрилҳофизин аз кулли офатҳо.
Дар ин даврони пур офот, аҳди жўшиши исён,
Ба назми мулкдори-ю диндорист ў якто.
Ба рўзи разм чун Рустам, ба вақти базм чун Ҳотам,
Ба кори доди мазлумон чу Нўширвон адл оро.
Саховаткор, давлатёр, некандеш, дарёдил,
Жавонмард, жавонбахту шижоатпешаи якто.
Амири хусрави ислом аҳли шаръро ҳомий,
Мадори олимону маржаи арбоби асфиё.
Ҳамеша равнақи шаръи Муҳаммад бувад мақсудаш,
Ба вафқи нияташ ин давлати олий намуд ато.
Чу ман дар ҳаққи соҳиби давлатам вирди ин дуо созам,
Ба ҳаққи Аҳмади мурсал ижобат кун худовандо.
Назар бар ҳоли ман кун, дорад он хосияти иксир,
Ки то бошад вужуди миси ман якбораги тилло.
Барои шукри ин жоҳу жалолу неъматӣ узмо,
Гуноҳи сад чун олудаи журми хато бахшо.
Бихони гар бирони бар дари дигар нахоҳам рафт,
Дуо гўям ризо жўям ба ҳаққа қодири якто.
Ҳама пўшида як-як хилъати афв амон шоданд,

Мани ғамдида хурсанд ба як наззораи зебо.
Ба даргоҳи шаҳон оранд ҳар кас тўхфаи чизе,
Дуҳои ки мазкураш намудам лўълу-лоло.
Амири хуравам чун хост қасре дар Жаҳоноро,
Ки гардад кишвари Фарғона зи он чун жаннат маво.
Ба тарҳи гунбази олий ишорат сохт биноеро,
Чу минои фалак софу ба рифъат ҳам осмон воло.
Ба ин хоки дараш фармони олий низ содир шуд,
Ки то бандам миён камари хизмати худро аз сад жо.
Чи гунбазе дар матонат ҳамчу кўҳи Бесутун росих,
Бар наъташ дар назарҳо шаъни он омад фалак фарсо.
Чунон густарда шуд айвони кайвон аз ду паҳлўяш,
Саҳоб омад ба сақфаш бурёву хок аз боло.
Дарояд ҳар ҳазину нотавон баҳри тамошояш,
Нахоҳад рафт берун зи он макони фараҳафзо.
Зи банноёни моҳир ҳар ки даври худ сураташ бинад,
Дигар пўшад назар аз дидани ин қуббаи хазро.
//307^a Зи таъмири Жаҳоноро жаҳони кўҳна шуд аз нав,
Сар то по музайян чун арўсони қамар сиймо.
Зи рўи хуш меъмори хирад таърихи хуш гуфто:
«Хумоюн бод асоси ин имороти Жаҳоноро».
[Хусрав амир, давлат таянчи, мулкка оро,
Қудратли, динга паноҳ, ҳакаму доно.
Давлат тўни доимо муборак бўлсин эгнига,
Ҳукми билан қутлуғ бўлсин бу дунё ишлари назми.
Бошида сардорлик қулоҳи доим бўлсин барқарор.
Ғайб аҳли олти томондан дуогўйлигини қилсин,
Ҳамиша Хизру Илёс белига мададкор бўлсинлар.
Ҳамиша ғавс қутби руҳонияти қўллаб турсин,
Ҳазрат Али байроғи урушларда ёрдам берсин.
Давлати жомидан фармони ижрочилар сероб,
Ҳайбати захридани душманлари тор-мор бўлсин.
Адолат туғи боши узра соя солгувчи бўлсин,
Шариат тартиби кучли ақлидан ўз ўрнида устивор турсин.
Илоҳо, шавкатининг офтоби доим чарақлаб тургай,
Истило авжида ёмон кўзлардан сақлагайсан мудом.
Ҳар бир ҳолатда мададкоринг бўлсин рабб ил-оламин,
Яхши сақловчи сақласин сени барча офатлардан омон.
Бу офатга тўла давронда, исёнлар тошиб турган замонда,
У эрур ёлғиз мулкдорлик ва диндорликни тартибга солувчи.
Жанг куни Рустамдек, базм вақтида Ҳотамдек,
Мазлумлар доди ишида Нўширвондек адолат безовчи.
Саховаткор, давлатёр, ташвишсиз, дарёдил,
Жавонмард, жавонбахт, шижоатпеша.
Ислон хусрави амири, шариат аҳлига ҳомий,
Олимлар таянчи, орифларнинг мурожаат жойи.
Ҳамиша Муҳаммад шаръининг равнақи бўлсин мақсади,
Ниятига яраша қилди бу олий давлатни унга ато.
Давлатим соҳиби ҳаққида дилу тилдан дуо қилсам,
Аҳмади мурсал ҳаққи ижобат эт ун худовандо.
Менинг ҳолимга назар солким, унда иксир хосияти бор,
Мис вужудим бирданига айлосин тиллога.
Бу мансаб, шавкат, улуғ неъмат шукри учун,
Хато билан булғанган нечанинг гуноҳини кеч.
Чақирсанг келарман, лек қувсанг кетмасман бошққа эшикка,
Дуо дейман, ризолик излайман, ёлғиз қодир ҳаққи.
Барча кийиб бир-бир афв тўнини соғ-омон эрурлар,

Мен ғамлик эса битта чиройли нигоҳ билан овунмоқдаман.
Шаҳлар даргоҳига келтирар ҳар ким бирор тухфа,
Зикрида қилган дуоларим эрур гавҳару жавҳар.
Хусрав амирим Жаҳонорода бир қаср қурмоқ истади,
Фарғона мамлакати бўлсин ундан жаннат маво.
Олий гунбаз тарҳи билан ишора қилди бир бинога,
Фалак миносидек софу баландликда ҳам юксак осмон.
Саройида олий фармон ҳам содир бўлди,
Хизмат камарини белимга боғлайман юз жойдан.
Метинликда гунбази Бесутун тоғидек тўғри,
Наътда назарга унинг шони фалакка тенг бўлиб келди.
Икки ёнида кайвон мақомли айвони шундай юксалдики,
Булут томига келиб тўшалди.
Томошаси учун кирса мунгли ва нотавонлар,
Бу дилга қувонч солувчи макондан кетгиси келмай қолади.
Моҳир бинокорлар ўз даврида бундай ҳол суратини кўриб,
Бу зангори қуббага тикилишдан сира воз кечмай қолишади.
Жаҳоноро қурилиб, эски жаҳон янгиланди, чунки у,
Бошдан-оёқ ой юзли келинчаклар каби зийнатланган.
Ҳушини қўйиб жойига ақл меъмори таърихини яхши айтди:
«Қутлуғ бўлсин бу Жаҳоноро иморатининг пойдевори»].

Яна қабул аҳли уламози, расуллар саййиди авлоди ва ҳазрат Баҳо ул-ҳақ вад-диннинг набираси Эшон Боқихўжа эшон Султон Саидхоннинг Хўқанди латиф салтанати палосида иқбол бахтига етишгани муносабати билан жуда яхши бир таърих айтганлар.

Таърих:

Шукри Эзид ки аз насими қабул,
Кард охир баҳори раҳмат гул.
Соғари вожгуни амният,
Шуд зи сахбои адли ў пур мул.
Гашт таърихи ҳукмронии ў,
«Навбати салтанат шуд хушгул».
[Худога шукрим, қабул насимидан,
Ниҳоят раҳмат баҳори гуллади.
Хавфсизликнинг синган қадаҳи,
Адолати булутидан майга тўлди.
Унинг ҳукмронлик таърихи бўлди:
Салтанат навбати бўлди хушгул.

**Бир неча оғиз сўз жаноб соҳибқиронийнинг довиорақ лашкари билан ҳужум учун
кўзғалиб, йўлга тушгани баёнида**

Туркистон вилоятида рўй берган даҳшатли воқеа ва юз кўрсатган кўрқинчли ҳодисадан ҳамда ҳазрат Авлиё Ота фуқароларининг шаҳидлиги-ю Ўрус кофирларининг шафқатсизлиги ва *амир лашкар*нинг ул динсиз кофирларга зафарли равишда танбеҳ берганидан сўнг, **шеър:** Сухан гузидатарин неъматидир, Киши қайдан билсин сўзнинг не қадар кучлилигини.); билим аҳли ва кўрар соҳибларининг соғлом таъб ва ўткир зеҳнларидан яширин ва бекитикча қолмасинким, ўз вақтидаёқ оз кўринган хавотир олдини олмоқ ва юракка тушувчи васвасалар йўлини бекитмоқ хайрли иш бўлиб, аммо мустаҳкам давлат қалъасига заифлик келтирувчи ваҳимали шубҳаларни йўқотмаслик шайтон қутқусини йўқотмай, балки шу бепарволик билан унга бўсунишдир. Бу эса шоҳлар учун салтанат асоси истиқомати ва давлат қоидалари мустаҳкамлиги ишида ножойиздир. Барча ҳолатарда ҳам қаттиқ ва мустаҳкам туриб, ғафлат ва лоқайликдан йироқ бўлмоқлари лозим. Ғафлат ва лоқайдлик сарварлик маросими ва сардарлик қонунларида жабр иши ва қабоҳат юмуши саналади. **Байт:**

Ба таҳқири душман назар доштан,
Бувад хок дар дида анбоштан.
Ба як ришта сад лаб тавон дўхтан,

Ба як шўъла мулке тавон сўхтан.
[Душманни кичик деб билиш,
Ўз кўзига тупроқ сочгандек иш.
Бир ип билан минг лабни тикса бўлур,
Бир шўъла билан бирор мамлакатни куйдирса бўлур.

Бу қоидаларни айтишдан ва бу сўзларни баён этишдан мақсад замона оқиллари қулоғига етсинким, бир минг икки юз саксон биринчи (1281) йилнинг зу-л-ҳижжа ойи бошида²⁰⁷⁶ Муш (Сичқон) йили ўрус кофирлари Олма Оти мавзеидан беадаблик юзасидан ва номуродлик оёғини андишасизлик дашти тошлоғига қўйиб, Марки қалъаси устига //307^б етиб келишди. Марки Тошканд вилояти музофотларидан бири бўлмиш қалъадир. Қалъа аҳли халқи бу ҳолдан хабардор ва огоҳ бўлгач, ҳаммаси якдил ва бирдамликда оғзи бирлик билан устивор турган кўйи қалъадорлик эҳтиётига киришиб, душманга қарши Искандар тўғонидек жой олиб, оёққа қалқдилар ва қулай фурсатни кутиб, ул ёмон тийнатли кофирлар дафъига тайёр турдилар. Кофирлар аҳли мусулмонлар журъатини таҳқиқ наари билан мушоҳада қилгач, қалъа фатҳини ўзлари учун қаттиқ ва оғир иш англадилар. Қалъага яқинлашиш амалга ошадиган иш бўлмай, ноилож ҳийла ва макр, урушда тубан ва номардлик саналган машғулотларга ўтиб олдилар ва ул кофирлар наздида юмшоқ мум шамни эзишдан ҳам осонроқ иш бўлган ертўла лаҳмини кавлашга киришдилар. Озгина фурсатда ул бадхиянатлар мулчари бўлган қалъа дарвозаси тагига етказдилар ва ул чуқур ичига қанча дору кукуни бўлса, лиммо-лим тўлдириб, қоронғу тунда чуқур бошидан турган кўйи жаҳон ёқувчи оташни қалъага қараб отдилар. Бирданига оташ шўъласи учқунлари ул сарманзил нишонига етди. Ундан сўнг душман аҳли зўр бир ҳамла воситасида дору зарби етган мавзедаги қалъа дарвозахонасини бир нечта пахса девори билан бирга қўпориб, ер билан яксон қилдилар. Қанча қалъа халқи бўлса, баъзиси ўз хавфсизлигини ғанимат билиб ўша қоронғу кечада ўзини зимзиё йўлга уриб бадар кетган эса, айримлар тарафларнинг урушидан сўнг золимлар кўлига асир тушиб, олий шаҳидлик даражасига сазовор бўлдилар. Кофирлар бу даҳшатли воқеа ишидан тинчигач, иморат ва қалъа деворларини теп-текис ва яксон қилиб, мазкур ойнинг ўн иккинчисида ул узоқ манзилдан ҳазрат Авлиё Ота қалъаси устига етдилар ва ул шаҳар ва атрофлар бошлиғи Ниёзали аҳвол танглигини урушмаслик баҳонаси қилиб, ёнидаги бир нечта одами билан бирга Туркистон тарафига Мирзо Давлат хузурига бадар кетди. Шаҳар ҳоким ва эл бошқарувчидан холи қолгач, фаранг кофирлар ҳеч ҳаялламай тезликда қалъа қамалига киришиб, шаҳар ичига ҳар тарафдан тўп отишга бошладилар. Шаҳар фуқаролари ҳар кўча ва бозорда ўзларича ғайрат ва журъат қилиб, //308^а шаҳар дарвозасидан чиқиб, ул лаънати кофирлар билан азим бир уруш қилдилар. Фойдаси бўлмагач, яна қайтиб келиб, қалъага кириб қамалдилар. Шақоват аҳли фуқароларни урушда ўзига тенг кўрмагани учун ул кофирлар журъатининг бири минг бўлиб ва қалъа деворини тўп ўқлари остига олиб, шу жанг ҳийласи билан тутуни ичида дарвоза олдига етишиб, тўп зўри натижасида бирданига шаҳар ичига кирдилар. Қалъа аҳлининг ҳамиятли кишилари ўз аҳлу аёли ор-номусини ўйлаб, уч кеча-уч кундузгача бозор ва кўчалар бошида оёққа туриб, хотину боласи билан бирга шундай азим бир саваш ясадиларки, ҳеч бир подшоҳ замонасида бу тарздаги жангу жидол рўй бермаган. Тошкент ҳокими Нормухаммад қўшбегидан бирон мадад ва ёрдам келармикан, дея интизорлик кўзини Чимкант йўлига тикдилар. Чунки ул номард икки ой олдин Тошканддан Чимкентга келиб, шу ерда истиқомат қилмоқда эди. Аммо буларнинг барини эшита-била туриб, ул шижоаткорларга бирор мадад бермади. Аллоҳи таоло амири кабирнинг умру давлатини зиёда қилсинким, унинг танбеҳини жуда яхши бир тарзда бердилар ва бу иш олам аҳлига ибрат бўлди. Ниҳоят кўп ҳаракатлардан сўнг фуқаролар холи танглашиб, «аломон» дея дод-фарёд кўтардилар. Кофирлар бу ҳолдан хабар топиб, вазиятдан воқиф бўлгач, урушни тўхтатиб, қандай равишда бўлса шундай тарзда ярашиш йўлини ўртага солдилар. Сўнг бир-бирлари ўлигини майдон ўртасидан олиб, ҳар қайси ўз дин ва ойини бўйича дафн қилдилар. Ўша жанг куни эркаку аёл, катта-кичик мусулмонлардан бир минг олти юз нафари шаҳидлик даражасига лойиқ ва мушарраф бўлдилар. Кофирлар ўлигининг сон-саногини йўқ эди. Бу аламли ва даҳшатли воқеалар устига неча минг ўрус кўп сонли қозоқ билан тил бириктириб, Оқ масжид томондан келиб, Туркистон деб ҳам аталувчи Ясси шаҳрини қамал қилдилар. Бу юртларнинг ҳокими бўлмиш Мирзо Давлат²⁰⁷⁷ шижоат ва мардоналик юзасидан ўз лашкари билан бирга кофирларга қарши урушга чиқиб //308^б ва азим жанглар барпо қилиб, жанг майдонидан қайтиб келгач, шаҳарга кирмоқчи бўлганларида қарасалар, шаҳарнинг ярамас каззоблари ва касофат шиорли бузғунчилари бу босқинчилик ҳаракатларидан бир неча йил илгари кофирлардан нафақа олувчи бўлиб, ваъдаи ваид ва

²⁰⁷⁶ 27 апрель 1865 йил.

²⁰⁷⁷ Мирзо Давлат – Давлат қўрбоши додхоҳ Қаротегини (ваф. июль 1864 й.)

башорати навид бериб, вилоятни кофирларга пешкаш қилганлари сабабли шаҳар дарвозасини мусулмонлар юзига қарата Искандар тўғонидек беркитиб, қалъа девори томондан бир нечта жойидан рахналар солиб, кофирларни ичкари киритган эканлар. Назар мушоҳадаси ва қулоқ эшитувчилиги билан бу афсусли ва мингларча дариғли хабардан воқиф бўлиб, дарвоза оғзидан қайтиб кетган кўйи муносиб бир жойга қўш ташладилар ва ўша кечани бир бало қилиб ўтказиб, эртасига тонг билан Тошканд вилояти сари кетдилар. Йўл асносида Чимкент вилоятига кириб, аммо Нормухаммадни кўрмай ўтиб, Қароқамчи манзилига етиб, ҳазрат Миён Халил соҳиб²⁰⁷⁸нинг боғига тушдилар.

Бу можаро баёни воқеалари кундан-кун кетма-кет равишда жаноб амир Султон Саидхон қулоғига ета киришди. Соҳибқиронлик ғайрати жўшга ва мардоналик шижоати хурушга келиб, нусратпаноҳ сипоҳга керакли уруш асбоби ва қурол-яроқ жамлаш пайига тушди. Ён-атроф ва музофоту вилояту қасабаларнинг ҳар томонидаги саркардаларига марғуб иноятномалар юбориб, лашкар йиғилишида етук сайъ-ҳаракатлар бажо келтирди.

Муаллифнинг манзумаси:

Музаффар рафик, саодат қарин,
 Худо карда рўзе ба сад офарин.
 Ато карда мулку саодат ўро,
 Муқиму саломат нишонд ўро.
 Ҳамиша ба давлат муқимаш кунод,
 Қарин маломат ба гирдаш мабод.
 Зи адлу адилаш бувад соя ўро,
 Зи нахли умедаш шавад бор ўро.
 Зи тавфиқи давлат бо насиб,
 Кушода кунад фатҳ болаш қариб.
 Ба ин давлату ҳашматаш чоқ бод,
 Қарини саодат бар ў тоқ бод.
 Зи адлаш вилоят ба по судаанд,
 Зи собиқнишинон гарав бурдаанд.
 Чунин довару додгустар амир,
 Ба қайдаш дар овард зи душман асир.
 Замоне ба таърихи ҳаштоду як, (1281)
 Ба шўҳрат шуд аз кофирон фатак.
 Ҳамият висор, фалак интибоҳ,
 Зи ғайрат азимат намуданд ба роҳ.
 Сипоҳи ки хосу Жам андеш буд,
 Ки аз сад ҳазораш адад беш буд.
 //309^a Жиловдор ҳастанд дар тозу так,
 Фузун буданд аз сад ҳазору ду лак.
 Чуноне бирафтанд пур кину сутух,
 Жамоат пазирой, Албурз куҳ.
 Ҳама борвар, пур салоҳ бизад,
 Ба душман расиданд кунанд гард-гард.
 Чунон мардумони набард озмой,
 Ба аъдо расидан кунанд хокпой.
 Ғирева занон бар сараш медаванд,
 Ба шамшири буррон сараш мезананд.
 Ҳамеша ба нусрат, ба фируз жанг,
 Ба вақти ду саф аждаҳову наҳанг.
 Ҳама мардумони зафар пеш буд,
 Ки аз сад ҳазорон адад беш буд.
 Ба зўру ба панжа диловар буданд,
 Ба мардонаги чун баҳодур буданд.
 Худованд карда зафар бо насиб,

²⁰⁷⁸ Миён Халил ҳазрат – ваф. 1285/1868-69 йили. Уламо ва дипломат. Пешоварда оламга келган. Ҳаждан кейин Қозон шаҳрига келган. Бу ерда татар уламоларидан бири бўлган Мулло Фатҳуллоҳ (1767-1843) қизи Фотимага уйланган. 181-1842 йиллари Қўқондан Россияга элчи бўлиб борган. 1862 йилгача Тошкентда яшаган. Жияни Миён Фазл Аҳмад Бузруг хожи билан Бухорога кетган ва амир Музаффар ҳузурида бўлиб, шу ерда вафот этган.

Ба ҳар душмане мешуданд анқариб.
Ба душман мавосо-мадоро набуд,
Ба шамшери тезаш сараш мерабуд.
Ба ҳангоми жангаш бисўзад шарар,
Зи душман намонад чуноне асар.
Ҳама боқиёташ фано бар равад,
Ҳама толиҳоташ фано дар шавад.
Ки зоти амирам масуни худост,
Масуни худо доимо бо худост.
Чунин доди марди бидех дар амир,
Ки созад азони кофиронро асир.
Жаҳонро ба феруз қайдаш дар ор,
Бар орад аз он кофиронаш димор.
Худоё ба Аттор файзе расон,
Шавад соҳиби мамлакат дар омон.
[Ғолибликка дўст, саодатгадир яқин,
Худо айтар унга ҳар кун юз офарин.
Ато этмиш эгам анга мулку саодат,
Ўтқириб тахтида турғуну саломат.
Ҳамиша давлат билан муқим тутсин,
Маломатни атрофидан қувғин этсин.
Адолати ўзига соя солгувчи соябон,
Умиди ниҳоли мева берсин бир уммон..
Давлатига муваффақият насиб этсин,
Боши узра фатҳ қанотини кенг ёйсин.
Шу давлату ҳашамати топсин равнақ,
Бахту саодат унга ёр бўлсин фақат.
Адолатидан вилоят аҳли пойига юз сурар,
Бурунгилардан минг бор ортиқ суяр.
Шундай дод сўрар адонатли амир,
Душманларни қўлга олиб, этди асир.
Сана бир минг икки юз саксон бир,
Шухрат қозонди, енгилди ул кофир.
Ҳамиятли ватанпарвар, осмон ҳиммат,
Қўшин ғайратдан йўлга қилди азимат.
Бу хос қўшин Жамшиддек мағрур,
Сони юз мингдан ҳам ортиқ эрур.
Югурушда жиловдор эрур бари,
Юз мингу икки лакдан ошиқ улар.
Шундай йўл юришди қасос пайида,
Келбатлари худди Албурз тоғидек.
Барчаси қурол-аслаҳага орқалаган,
Душманни қийма қилишга шай.
Уруш кўрган паҳлавон мардлар,
Душман устига етса янчишга қодир.
Бақириб-чақириб ташланарлар ғанимга,
Кескир қилич билан бошини шарт узарлар.
Ҳамиша ғалаба ва зафар топиб урушда,
Саф тортганларида бари аждаҳову наҳанг.
Зафар жангчилари бариси олдинда эди,
Юз минг нафардан сонлари кўп эди.
Зўрлари кўп, билаклари бақувват, довюрак,
Мардоналикда баҳодир эди барчаси.
Худованд уларга насиб этиб зафар,
Душманга яқинлашган заҳоти бўлишар музаффар.
Душман билан сулҳ йўқ, аяб ўтирмас эдилар,
Қилич билан душман бошин узардилар.

Жанг пайти олов гурилларди гўё, ёниб,
Душмандан қолмас эди ҳеч бир асар.
Бор-буди фанога равона бўларди,
Кофирлик динлари фано елига учарди.
Амирим зоти илоҳий дахлсизлик остида,
Илоҳий дахлсизлик доимо худодан эрур.
Худойим, мардлигини орттир амирнинг,
Кофирларнинг барин қилсин у асир.
Жаҳонни унга тобе қилғил, токим,
Кофирлар бошидан дуд чиқарсин.
Худойим, Аторга файз етказ бу он,
Юрт эгаси жонини сақлагайсен омон.

Амир Саидхон соҳибқиронийнинг ўрус устига лашкар тортгани ва киромли амирнинг малики мустаон инояти билан фатҳу нусрат топгани

Субҳоний иноят ёрдами ва яздоний меҳрибонлик инояти билан жаноб соҳибқироний мақсади ҳосиллик тахтига ва давлату шодмонлик ўриндиғига чиқиб, адолат нурлари ва иноят партави билан раият аҳволи манглайи ва халқ ҳоли пешонасини ялтиратгач, жаноб хоннинг қутлуғ кўнгли сари ўтган замонда айём ҳодисалари зараридан мамлакатга етган вайронагарчиликни тугатиш ва бошқа ҳар хил халаллар тадорикини қилиш ҳамда бутун хайр анжом вилоят бўйлаб хосу омга нисбатан рўй берган турли хил талотум оқибатларини тугатиш фикрлари йўл топиб, элга зулм ва халққа озор каби ёмон расму русум ва нохуш бидъатларни жаҳон майдонидан супуриб ташлаб, ҳукумат осойиши ва давлат барқарорлиги //309⁶ ва истиқомат истиқрори сари киришмоқчи бўлдилар. **Байт:**

Жаҳонпарваре шимааш дину дод,
Ҳалиму хирадманду некў ниҳод.
Ситамро зиён, аддро суд аз ў,
Худо рози-ю халқ хушнуд аз ў.
[Бир жаҳонпарвар, хислатида дин, адолат,
Вужуди соф, оқилу юмшоқ табиат.
Ундан ситамга етар зиён, адолатга наф,
Худо рози-ю, халқ ундан кўп хурсанд].

Аммо, айни шундай маҳалда тақдир тақозоси билан замоний ҳодисалар ва ногоҳоний аломатлар сабабли мазкур йилнинг сафар ойида фалак айланишидан ваҳшат асарли хабарлар кети узилмай, жаноб соҳибқиронга етказишга киришдиларким, ўрус лашкари йўл ва атрофдан етиб, баъзилари Марки ва Авлиё Ото каби қалъаларни босиб олиб, яна бир бўлаги эса Туркистонни эгаллашга киришиб, фитна раҳсини жойидан кўзғатдилар ва зарар етказишнинг қийинчилик тупроғини давлат аҳли бошига сочиб, Чимкент ва Тошканд тасхири ҳаваси ул нобакорлар димоғига тушган. Умид шулким, қаҳрамонлик туғи ва шижоат байроқларини бу диёр сари ҳилпиратиб, бу ёнғин чиқарувчи тутуннинг шўъласини мардоналик суви билан ўчирмасангиз пичоқ суякка етишажак. **Қитъа:**

Агар на ҳайбати шамшери подшоҳ бувад,
Шўрҳо ки ба яқдам зи шаҳр бар хезад.
Касе ки даст чап аз дасти рост нашносад,
Ҳазор фитна чу дасташ диҳад бар ангезад.
[Агар подшоҳ қиличин ҳайбати бўлмаса,
Шаҳар аро бир дамда туғёнлар кўпар.
Ўнг қўлини чапидан ажрата билмаслар,
Дастидан минг фитналар кўзғалар].

Жаноб соҳибқиронийда илтимос шуким, тўхтовсиз йўналиш жиловини қўлдан бермай ва жаҳонбонликнинг зафар оятли байроғини бу тарафга тортсалар. **Байт:**

Оташеро ки халқ аз он сўзанд,
Жуз ба куштан илож натвон кард.
[Халқни ёндирувчи ўтдан,
Ўлишдан бошқа чораси йўқ].

Жаноб соҳибқироний бу маънидан хабар топгач, ул томонга йўналишни жазм қилиб, гардун маосир асокирни чақиришга фармон чиқиб, вилоятнинг барча музофотлари ва қасабалар фармонраволарига ва элат бошлиқларига марғуб иноятномалар орқали ислом дини ор-номусини ҳимоя қилишга чақириб, таҳдид ва таъкидлар билан бажо келтирдилар. Бу қувонч аломатли хабар етишган заҳоти диёр ва шаҳарнинг ҳар томонидан мансур аскарлар топшириқ олган йиғин билан чиқиб келишга киришдилар. Фалак юлдузлари сони уларнинг сони олдида арзимас миқдор бўлиб, идрок мусоҳиб соҳиблари ва дарк аҳлининг софий тийнатлари лашкпр сони шарҳида ҳайрон эдилар. Улар қутлуғ Ўрда сари ошиқиб, давлат ва соҳибқиронликнинг фалакка етувчи соябон-чатри соясида жой ва ором олдилар. **Назм:**

Боз ар чун лашкар омода гашт,
Бар омад ба асбу даромад ба дашт.
Ба қасди адув танг баста миён,
Ба алмоси кин тез карда синон.
Аз сумми //310^a сатурон дар он паҳн дашт,
Замин шаш шуд, осмон гашт ҳашт.
[Мана яна қўшин бўлди тайёр,
Отга миниб, дашт сари чиқишди.
Душман қасдида белни сиқиб боғлашди,
Қиличларни қасос олмоси билан қайрашди.
Кенг дашт аро отлар туёғидан,
Ер олти бўлди, осмон эса саккиз].

Жамшид мартабали жаноб соҳибқирон мазкур йил муҳаррамнинг йигирма тўққизинчиси сешанба куни зафар паноҳ байроқни фалак авжи ва ой зуврасигача кўтарди. Қиёмат асар кўч гулғуласи суву куруклик атрофи ва етти иқлим мамлакатига зилзила солди, ундан ортиғи бўлмайдиган даражадаги тўла йўсун ва ойин билан юзни йўлк тутиб манзилма-манзил юриб кетдилар. **Назм:**

Якрони давлат зери рон, чатри ҳумоюн бар забар
Фатҳ аз ясору аз ямин чун илоҳий роҳбар,
Шодравон соҳибқироне то айвони кайвон афрошта,
Оёти фатҳу фирузий бар роёти зафар тирози хоний ангошта.
Моҳчаи чатри осмонсояш, пайкари мунаввари хуршед,
Ва гуҳари тожи саодат сиймояш нурбахши афсари Жамшед.
Парчами алами зафар шиораш «Ва рафаъно фавқакум ут-тур».²⁰⁷⁹
[Давлат оти оёғи остида, қутли чатр фатҳ устида,
Ўнгу сўлдан илоҳий раҳбар, соҳибқирон кайвон айвонигача,
Хонликнинг зафар нақшли, фатҳ оятли байроғини кўтарган.
Осмонга тегар чатри моҳчаси, гавдаси куёш нурли,
Саодат сиймоли тожи гавҳари, жамшид бахти узра нур сочар.
Зафар шиорли туғи, «устингиздан Тур тоғини кўтариб турдик»].

Анча манзилларни босиб ўтгач, қутлуғ мавкаб Тошканд вилоятига етиб, шу ерда туриш палосини ёйдилар. Бир неча муддат олдинма-кетин келган лашкар шу жойда тўхтаб, сафарга лозим қанча асбоб камчилиги бўлса тўлдириб ва синиқ-бузуғини созлаш ишлари бўлса, амалга ошириб, йўлга тайёр қилдилар. Сўнг аста-секинлик билан ул мақом иродасини қилиб, раҳшсифат саманд отларнинг жиловини ул томонга бурдилар. **Муаллифдан:**

Музаффаре ки зи осори ўст фатҳу зафар,
Муқтадаре ки ато карда аз қазову қадар.
Ҳамеша адлу шараф дар жаҳон мақбул бодо,
Ба равнақи азалий доварист карру фарр.
Насиби рўзи давлат атои довари ҳақ.
Ба дастбўс кифоят зи расида хайру шар.
Аз он замон ки адолат ў аён гардид,
Ба ҳукми довари ў ҳар суҳан шуда гуҳар.
Жаҳону халқ ҳамиша ба адл осуданд,
Бо чунин карамеро худо бикарда асар.

²⁰⁷⁹ Қуръони карим, 2:63.

Ба равнаку мушрифаш то ҳамиша мақбул бод,
Ки дар замон аёлат шуд газанди зарар.
//310^б Ки умри иззату давлат ҳамеша афзун шод,
Сарири пояйи адлаш ба хайрхоҳ асар.
Худой равнақи иқболашон кунад афтаҳ,
Ки аз саодати азалий бишнавам фатҳ, зафар.
Накарда ҳеч амире ба ин санад буданд,
Замони ӯ нашуда инчунин ҳакам, довар.
Расида бод ба мақсад, худо нигах дорад,
Хубувват акс пазирад, шараф шавад ховар.
Саодати азалий то ҳамеша ёр, худо,
Ки Хизр ёвару Илёс то шавад чокар.
Ситезагар нарасад, муддао ҳамеша мағмум бод,
Ривожи давлати ӯ инчунин шавад абтар.
Ҳаводисоти замон доимо расад сўзад,
Ки душманону адувро жафо расад зи шарар.
Зи тозаги нарасад муддаои хирасарон,
Аз он сабаб ки бибуданд жумлашон кофар.
Дуои жони азизони худо кунад мақбул,
Саломаташ бирасонад аз ин хатира сафар.
Чунон ба ҳиммати олий ирода фармуданд,
Ба ҳар кужо ки расанд то кунанд зеру забар.
Хаёли хом нахўрда чунон шаванд хосир,
Зи баъди мо накунад кофирон роҳ гузар.
Ба соҳиб зафарам доимо зафар бахшо,
Расанд фатҳу башорат, навиду нек хабар.
Аз он сабаб ҳамаи мо шодмон гардем,
Ки шоядаш бирасад муждаҳои нектар.
Ижобати карамат то макун зи ман зое,
Қабули қобил даргоҳи некхоҳу сияр.
Ба неқноми-ю доим ҳамеша мақбул бод,
Саодати азалий то шараф кунад ахтар.
Ба аззу иззати номи ба ҳаққи шери худо,
Ижобаташ бикуну то ба ҳоли ӯ бингар.
Дуои жумлаи ғарибон ижобаташ фармо,
Қудуми давлаташон то расанд хайротар.
Ки соҳиби зафар омад зи ҳужжат таърих,
Тафоли хабараш хуб омадаст ба назар.
Ҳамеша ёди худо мекунад ҳазин Аттор,
Ки доимо ба дуо, нест муддаои дигар.
[Бир музаффарким, ундан аломат фатҳу зафар,
Бир қудратликим, ато айлаган қазову қадар.
Доимо адолату шарафини жаҳонда мақбул,
Азалий равнақини эса ҳамиша ривожли қил.
Давлатнинг насиби Ҳақдан келган бир ато,
Қўлинг кафтин ўпсин яхши, ёмондан айро.
Адолати бўлган кундан буён зоҳиру аён,
Ҳукмидан эрур ҳар бир сўз гавҳарли баён.
Жаҳон халқи адолат тўшагида кўп ястанди,
Шундай карамни берди худо деб мақтанди.
Равнаку шарафи ҳамиша қабул топсин, чун,
Бир пайтлар кўрганимиз зарар эди-ю, мунг.
Иззатли умри-ю, улуғ давлати ортсин ҳар он,
Адолати тахти пояси хайридан халқ омон.
Худо иқболи равнақин юксалтирсин яксар,
Азалий саодатдан эшитайлик нукул зафар.

Ўтган амирлардан ҳеч бири эмасди бу янглиғ,
Кўрганимиз эрди фақат у замонда танглиғ.
Мақсадига етсин илоҳо, ўзинг асра уни худо,
Меҳр сочиб қуёшдек, шарафи бўлсин ҳувайдо.
Азалий саодати ҳамроҳи, худо ёри бўлсин,
Хизр яқини-ю, Илёс эса мададкори бўлсин.
Душман юзи терс дўнсин, ғанимни боссин ғам,
Давлати ривожини шундай юксалсин дамба-дам.
Келган замон ҳодисалари ёнмайин сўнсин,
Жафоси ўти фақат душман устига инсин.
Қайта ғаним ёмонлиги қўпмасин жойидан,
Келмасин, юрт харобдир кофирлар пойидан.
Азизларнинг жон дуосин худо этсин қабул,
Бу хатарли сафардан омон қайтарсин Ул.
Олий ҳиммат билан йўлга тушди қўшин,
Тутган ерида душманни аёвсиз янчсин.
Хом хаёл душманни ҳалок этсин буткул,
Бундан сўнг юртимизга топмасин ҳеч йўл.
Соҳиби зафаримга доимо бахш эт зафар,
Сўнг бизга етказ шул фатҳдан хушхабар.
Эшитиб уни бўлайлик шоду фархунда,
Балки келар бундан ҳам яхшироқ мужда.
Ижобат караминг тутма сен мендан дариғ,
Даргоҳинг қабули ила бўлай ғамдан фориғ.
Яхши ном билан ҳамиша ёруғ бўлсин юзинг,
Азалий саодатдан шараф топсин юлдузинг.
Худонинг шери ҳаққига иззатли ном ила,
Ижобат бахш эт, ҳолидан хабар ол, қара.
Ғарибларнинг дуосини ижобат айла кўпрак,
Давлати қадами етсин бундан ҳам юксак.
Зафар соҳибининг келиб тарих ҳужжатидан,
Фоли хабари яхши чиқди олий иззатидан.
Ҳамиша худо ёдини қилур мунгли Аттор,
Хон дуосидан ўзга унда яна не муддао бор].

Саййид Султонхоннинг фотиҳа бериб, Мулло Алиқулини кофирлар урушига равона қилгани

Мулло Алиқули лашкар сардори бўлиб йўлга тушди ва анча манзилу маконларни орқада қолдириб, Шарабхона мавзесига етди. Шу ерда иқбол чодирларини жоҳу жалол фалаки авжигача етказиб, манозил нузулгоҳи қилдилар. Ўша истироҳат вақтида туннинг бемаҳал пайти Тошкент вилоятининг катталаридан бири саналмиш Ниёзали *понсад* тезлик билан ул мавзегга келиб, ўрус кофирлари икки тараф ва тўрт жиҳатдан Чимкент шаҳри яқинига тахминан ярим фарсахдан кўпроқ масофага келиб тушиб, давлат устунлари ва маслаҳат соҳиб кишилари Сиз жанобнинг рухсатисиз урушга киришмай, жанга орқага суриб, майманат лузум қадамнингиз интизорини чекиб турибдилар. Уруш майдонига тўхтовсиз равон бўлишингизга тўғри келади, деган хабарни етказди. Бу хабарни эшитгандан сўнг жаноб мулло Алиқули ўша тун ярмида қўзғалиб, ҳиммат раҳшини мақсуд йўлида //311^a жилвагар қилиб, йўлга тушдилар. Тўла тезлик билан неча масофа ва бекатларни босиб ўтиб, зарнигор офтоб чиқиш вақтида Чимкентдан ўтгач, ул муддао бошига етиб, қўш ташладилар. Улуғлар билан мулоқот қилинган «ишларингизда бир-бирингиз билан маслаҳатлашинг»²⁰⁸⁰ каримасидаги каби раҳбарларнинг йиғин шарафи машварат расми бўйича ташкил топиб, қуйидаги қарорга келинди: «Давлат ҳолига нима лойиқ бўлса, тўхтовсиз ва ҳаялламай дин душманлари устига бориб, унга ташланайлик ва ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ул мукаддирлар ичига фитна даҳшатини солайлик. Бундан кофирлар дилига ҳайиқиш тушгай».

Бу муддао асносида Алиқули сардорнинг саодат лузум ҳужуми овозаси хасм қулоғига етиб, ўз ҳолича саросимавор бўлиб, Оқ масжид ва Туркистон кофирлари нузулгоҳи бўлмиш Сассиқ мавзесига

²⁰⁸⁰ Қуръони карим, 3:159.

ул кофирларга хавф ва қўрқув ваҳми тушди ва тепаликдан ўзини жар тагига олиб ва нусрат асар лашкарнинг келиш йўлини тўсиш мақсадида садди Искандардек чуқур хандақ кавлаб, арава, ғалла, туя, сигир, от ва не асбоб ашёси бор бўлса, маҳкам ва мустаҳкам боғлаб, худди йўловчи мусофир ва ғариблар каби йўлда шай турдилар. Мулло Аликули *эшик оғоси* нусратни жиловга олиб ва иқболни узангида ва шарафни осмонга етказиб, фатҳга ишорат эшиги бўлмиш ғалабага ёр аскарга жангга киришни буюрди. Бу лашкарнинг сони етти иқлимнинг тез ҳисоблагувчи муҳосиблари ўндан бирини санаш пайдан бўлишса ҳам албатта ожиз ва қосир келиш даражасида кўп, қалам аҳли котиблари Зол фирқасининг баттол гуруҳлари сони ҳисоб-китобига киришсалар, ҳар ойина ажзу кусурини эътироф этишлари каби чексиз миқдорда бўлиб, ён-атроф ва жавонибни тутган эдилар. Улар довюраклик тоғининг йўлбарслари ва жасурлик, баҳодирлик денгизи наҳанглари сингари ўз сафларини мустаҳкам қилиб ва шижоат қадамини мардоналик водийсига қўйиб, мардлик билагини кўтардилар. Муҳолифлар сипоҳи ҳам шундай миқдорда кўп сонли эдики, ложувард осмонининг шоҳсувори бўлмиш қуёш жамшиди ҳам шунча кезиб, бу каби лашкарни кўрмаган ва ҳеч бир замонда уруш майдонига бу янглиғ чексиз аскар кирмаган ва бирор қўшин бундай жамият билан жалодат юзини размгоҳ сари қаратмаган эди. Шунга қарамай мусулмонлар сипоҳи ҳам жангга кириб, иккита улкан денгиз мавжлари бир-бири устига ташланган каби бўлди. Ҳар икки тарафдан ҳарбий ноқора ва размий най садога кириб, ислом отликлари дупурининг овози айланувчи гардун тосига тегиб жаранглади ва духул садосидан ҳамда майдондаги кекса-ю ёш //311^о жангчиларнинг бақириқ-хайқириғидан фалакдаги малак қулоғи қар бўлди. **Байт:**

Ба жойи нағмаи най савти дилкаши хуффош,
Ба жойи журъаи май бодаи муҳаббати дўст.
[Най нағмаси ўрнига ҳофизнинг дилкаш товуши,
Май қултуми ўрнига дўст сиевгисининг бодаси].

Елдек учувчи чавандозлар ва чакмоқ аломатли мардлар эгнларига темир зирех ташлаганча аскарлик номини улуғлашга тушдилар. Жавшан ва хафтонлар, қилич ва қалқонлар, парли ўқ ва ўткир қиличлар ярқираб, чиний ойналар шўъласи нурлари каби исломийлар камаргоҳида хуршид нури кўринар, мисрий қиличлар партавида чақин ярқираб, кофирлар кўзини қамаштирар эди. Донг таратган довюраклар ва фил гавдали баҳодирлар тўнғизлар шикори сайри тариқасида елдек учар, шамол кирдорли, тилло жабдуку эгарли отлар устига миниб, ғазот уруши бахтига эришиш учун жангга қаттиқ киришиб, «Мушрикларни қатлга етказинглар»²⁰⁸¹ шаҳодати бўйича ва «Аллоҳ йўлида жиҳод қилинглари»²⁰⁸² мазмунига амал қилиб бирданига дин душманлари устига ёпирилар эдилар.

Байт:

Бар омад зи қалби ду лашкар хурўш,
Расид осмонро қиёмат ба гўш.
Ду лашкар ба ҳам бар заданд аз камин,
Ту гуфти задан осмон бар замин.
Зи боридани тир ҳамчун тагарг,
Ба ҳар гуша бархост тўфони марг.
[Икки лашкар қалбидан ўкириш овози чиқди,
Осмонга бундан қиёмат шовқини етишди.
Икки лашкар ётган еридан туриб ҳамла қилди,
Худди осмонни ерга тортиб ургандек бўлди.
Ўқнинг худди дўл ёққани каби отилишидан,
Ҳар бурчакдан ўлим тўфони кўзғалди].

Омон товуси юришдан тўхтаб, худди камон зоғи каби гушагир эди, ажал лочини жанг сахросида қанот ёзиб, руҳ қушини овларди. **Байт:**

Ба ҳар сў зи овози зоғи камон,
Шитобон шуд зи осмон гургсон.
Зи тиранги камон карда жонҳо сутўх,
Фашфаш кунон тир бар ҳар гурўх.
[Ҳар тарафга камон зоғи овозидан,
Шитоб этди осмондан бўри мисол.
Камон ўқидан жон халқумга келди,

²⁰⁸¹ Қуръони карим, 9:36.

²⁰⁸² Қуръони карим, 2:218.

Виз-виз учиб ўқлар ҳар гуруҳ томон].

Қиттол оташи шундай шўъла олардики, тили осмон авжини ялар ва уруш шўъласи учқуни шундай ёнардики, унинг нурлари Кайвонга етарди. Икки тарафнинг диловар ва муборизлари дилни жондан айриб, ширин жонни йўқлик йўлига тикиб, Найсон ойидаги чақмоқ каби ва қамишзорга тушган яшин сингари овоз чиқариб, хусусан ислом аҳли кофирлар устига чопардилар ва жалодат қиличини сармаб ва шижоат найзасини санчиб, душманлар бўйнини шарт узиб, четга улоқтирдилар. **Байт:**

Сипоҳ аз ду жониб, камонҳо ба жанг,
Равон карда ҳар гўша тиру хаданг.
Бикуштанд чандон зи ҳар ду гурўҳ,
Шуда хок дарё чу хомуну кўҳ.
[Икки томондан қўшин, камонлар жангда,
Юбормиш ҳар бурчакка ўқларини.
Ҳар гуруҳдан ўлдирдилар нечаларни,
Дарё бўлмиш хок мисоли дашт, тоғ].

Шу тариқа ҳол ва қийин жанг ҳаракатларидан сўнг // 312^а зафар насими файзи акбар инояти маҳибидан ислом аҳли томон эсиб ва машаққат тупроғи кофир фирқаси боши узра ҳовуч-ҳовуч сочилиб, ёмон кирдорлар ҳолига енгиллиш ва эътиборсизлик иниб, бирданига «аломон» фарёдини кўтариб, мусулмонлар оёғи остига ер тубан йиқилдилар. Мусулмонларнинг юраги иймонга лим тўла ва қуръонга эътиқоди кучли бўлганидан душман омонлигига руҳсат бериб, зафар пайкар отларни хиймагоҳ сари бурдилар. Ўша куннинг эртасига офтобнинг феруз хусрави жаҳонтоб заринигор маҳчасини осмон қалъаси устига ташлади ва зарафшон найзалар таъни билан шомнинг сипоҳининг қора лашкарини тарқатиб юборди. **Байт:**

Сари субҳ шоҳи кавокиби сипоҳ,
Чу афрохт роят бар ин қалъагоҳ.
[Тонгда юлдузлар қўшини шоҳи,
Бу қалъа узра байроғини ёйди].

Ўрус кофирлари эгри фикр бошларидан кийимларини ечиб, минг бир қўрқув ва ҳадик ичида узрхоҳлик тариқаси билан мулло Алиқули сардор хузурига келишга уриниб, нима пешкаш ва тортуқлари бўлса назаридан ўткардилар. Аҳмол ва алқол сўзлари билан адоватни ўртадан олиб ташлаб, мақсуд сўзини қилдилар. Тарафлар мусолиҳи ва бир-бири хавфсизлиги ва ислом аҳлига таарруз етказмаслик бўйича қўлни аҳду паймонга қўйиб, сулҳ ўрнатиш учун икки лак тиллоким, икки юз йигирма беш минг ашрафий Хўқанди латифнинг бир мисқоллик зарбидан иборатдир, Туркистон шаҳри билан бирга берадиган бўлиб, қайтиш руҳсати ва тинчлик шартини қўлга киритган кўйи ўз лашкаргоҳига қайтиб, ўша куни бадар кетдилар. **Байт:**

Кисро намонд, қиссаи айвони ў бимонд,
Нўъмон бирафт, қиссаи Хаварнақ ханўз ҳаст.
[Ануширвон дунёдан кетди, айвони қиссаси эса қолди,
Нўъмон жаҳондан ўтди, Хаварнақ қиссаси ҳали бор].

Мулло Алиқули сардор тўла хавфсизлик билан севинч асар хабарларни барча вилоятлар ва музофотларга юбориб, барча мавзеларнинг катта-ю кичик, бой ва камбағали бир ҳафта давомида замона фараҳбахшлигидан шодиёна қилиб, бир-бирининг хурсандлигини орттирдилар.

Бу қилу қол баёнидан сўнг ислом аҳлининг нусрат шиорлари виқорли тоғдек мустақим йўл жодасида устивор бўлиб ва Авлиё Ото кофирлари келишига кўз тутиб турганларида ул кофирларнинг кетиб, бу кофирларнинг эса келиши бир-бирига яқин вақтда юз бериб, бир-бирининг воқеасидан хабардор топдилар ва қўрқувдан неча минг бедин ярамас кофирлар Чимкент мавзесига // 312^б яқин етиб, бахиллар жойидан ҳам чуқурроқ ва мунофиқлар мақомидан ҳам қоронғуроқ жойда ертўла ясаб ва ўзини тириклайин гўрга ташлаб кўмишга ўхшаб, ер тагига ўрмаладилар. Бу воқеа баёни жаноб соҳибқиронга маълум ва равшан бўлгач, аҳли давлат ижтимоиси ва «ишларингизда бир-бирингиз билан маслаҳатлашинг»²⁰⁸³ мазмуни бўйича иш тутиб, машварат ишига киришдилар. Хўжаста фаржом амирлар кайвон низомли даргоҳда дур сочувчи ва гавҳар нисор тилни чиройли гуфторга очдилар. «Салтанат ишлари машғулотиға машғул ва жаҳонбонлик юмушлари мутасаддиси бўлмиш мақсади ҳосил хоқонлар ва иқтидорли султонлар давлатнинг баландпоя юлдузи билан ва ҳашаматли шахриёрлар ғоятда юксак камолу кадр ва манзилат билан салтанат авжига кўтарилишда, қимматли омонлик бахтининг аъло даражаси ва тинчликнинг иқбол меърожи устида улуғворлик билан ўтириш

²⁰⁸³ Қуръони карим, 3:159.

йўлида икки ишга суянганлар. Биринчиси шижоатлилик расми ақл тадбири билан бирга амалга ошса, қалб ойнасида ғайбий суратлар юз кўрсатади.

Муқаррардирки, ҳар қачон инсоний бошга замон ҳодисалари танглиги тушса, ғалаба нурлари фақат ақл шўъласи ва табир машъаласи ёруғлиги билан насиб бўлади. Ана шулар воситаси кишини қоронғулик водийсидан нажот маконига олиб соғ-омон олиб чиқади. **Назм:**

Ҳар ки бе тадбиркори кард мулк аз даст рафт,
Мулк агар хоҳи бинои кор бар тадбир неҳ.
[Ким тадбирсизлик қилса, мулки кетди қўлдан,
Мулкни истасанг иш биносини тадбир билан қур].

Мамлакатларни эгаллаш учун лашкар ва хайлу ҳашам жумласи ҳам даркор бўлиб, иккинчидан шижотнинг жонга мадор усулидирки, ҳарбу уруш денгизи мавжланган пайти ва разму жидол мавжлари талотўмга кирган вақти қанот қуввати кучи жасурлик оёғини маҳкам тутиб туради. **Байт:**

Корҳо бемашварат накуни,
То дар он суди бекарон бини.
[Ишларни маслаҳатсиз қилма,
Шунда ундан кўп фойда кўрасан].

Бу каби машварат амалга ошиб, маслаҳатга риоят қилинган, давлат устунлари ва ҳазрат аъёнлари биргаликда ниёз ва ихлос юзасидан тарафдорлик камарини белга боғлаб, ушбу сўзларга тил очган кўйи қуйидагиларни арзга етказдилар: «Душман устига боришга шошилмайлик ва бир неча кун унинг атроф-ҳошиясини ҳалқадек камал қилиб турайлик. // 313^a Гарчи озгина кечикилса ҳам аммо бағоят муносибдир. Негаки ғанимнинг кундан-кунга сув ва озукаси камайиб, улар кетидан келадиган сув ва озуканинг эса йўли тўсилса, ҳар қалай ислом лашкарининг аҳволи ўнгланиб, вазияти яхшилиги яна ҳам зиёда бўлажак». Бу сўзлар давлат амирларига маъқул бўлиб, ҳар бир гуруҳ саркардалари ўз лашкар ва ҳашами билан бирга узоқ-яқиндан кофирлар атрофини парголадек ўраб олиб, ўз ишида хушёр ва душман ҳолидан хабардор турдилар.

(Шу вақтда кофирларга чексиз мадад келиши билан бирга улардан элчи ҳам келган эди...) ²⁰⁸⁴.

Чоршанба куни зафар билан якун топувчи сафар ойининг йигирма иккисидан ёмонлигидан алҳазар кофирлар бирданига ул мағоки макондан сакраб туриб ва Туркистон йўли билан юриб, неча минг бедин кофирлар ўзига ишонган ҳолда ва ислом лашкарини парвоси-ю назарига илмай, тўпу туфанг ўқларини қору ёмғирга ўхшатиб мусулмонлар устига ёғдирган кўйи ҳеч тўхтамай ва ҳаялламай Чимкент қалъаси йўлини босиб ўтиб, қалъа яқинидаги рўпара тепаликка етдилар. У ердан эса шаҳар ва қалъа ичига уруш бошлаб, тўп отишни бошладилар. Кофирларнинг бу каби журъатини кўрган инсон боласининг ақли гунгу лол қоларди. Жаноб мулло Алиқули сардор олий ҳиммат орқасида диловарлик панжаси билан кофирлар сари юришни кўнглига тугиб, ҳар бир қаҳрамон гуруҳни бир жойга тайинлаб ва Мингбой *қўшбеги* орқада, мулло Алиқули эшикоғосининг ўзи рўпарада ул нечаларга қарши жангга киришдилар. Ўткир қиличлар ботирларнинг қонини мастлар ичадиган қизил май каби оқиза бошлади ва сина тешар найза жонларни ғорат қилишга ўқталиб, яғмо кўлини чўзди ва ажал элчисининг аёвсиз ўқи ўз оғзини очиб, маҳорат амалли ханжар тилини таъна учун очарди. **Байт:**

Ба хунрези равон шуд тири дилдўз,
Вале межуст жоне меситад музд.
Даҳон дар гуши мардон карда суфор,
Сухан мегуфт ки инак навбати кор.
Мубориз куштаи шамшир гашта,
Ба хуношоми аз худ саришта.
Ҳамехандид теғ аз ҳейкали мард,
Ба ханда гиряйи хунрез мекард.
Ба гарми тавсанон чун барқ гаштанд,
Миёни обу оташ ғарқ гаштанд.
[Дилни тикувчи ўқ қон тўкишга кетди,
Аммо текин жон олиш йўлин излаб кетди.
Оғзини мардлар қулоғига тутди ўқ пари,
Мана энди иш навбати етди дер эди у.
Жангчи қилич зарбидан ўлди,

²⁰⁸⁴ Бетнинг ҳошиясида ёзилган.

Қонхўрликни ўзидан соқит қилиб,
Қилич мард гавдаси устидан куларди,
Кулги билан қон оқизувчи йиғи қилиб,
Чаққонликда отлар чақиндек бўлдилар,
Ўт билан олов ўртасида ғарқ бўлдилар].

Куффор кўшини ўқ-найза ўрнига тўпу туфангга умид қилиб, мусулмонлар лашкари эса олов пуркар найзани кин-адоват захри билан суғориб, нусрат аломатли диловарларнинг жонсиз найзаси кўрқинчидан Симоки //313⁶ ромих сиймобдек барчаси титраб-қақшаб ва тез юрар найза кўрқувидан кабутардек жон ҳоврига тушган. **Байт:**

Далерон шерони мардум ба шикор,
Бар афрўхтанд оташи корзор.
Зи хун гашт пур домани осмон,
Зи бим об шуд захраи пурдилон.
[Халқнинг довюрак шерлари шикорда,
Ўлдир-ўлдир оловини гуриллатдилар.
Осмон этаги қондан тўлиб кетди,
Довюраклар ўти кўрқувдан ёрилди].

Алқисса, тарафлар ўша кўрқинчли жойда ва хатарли маконда қанчалар қўлидан келса, шунча сайъ-ҳаракат қилдилар. Ўта довюракликдан сабот ва қарор оёғини маҳкам тираб, бир-бири билан олишдилар. Тонгдан то кечгача Фарғона лашкари қаҳрамонлари пиёда ва отлик хайр далолатини ул халққа ҳақ қилиб, имкон борича бажо келтирдиларки, малаклар аҳсани фалак томида шаҳодат бармоғини ҳайрат тиши билан тишлаб, таҳсин айтардилар. **Байт:**

На душман падидор буди, на дўст,
Ки бо якдигар медариданд пўст.
[На душман кўринарди, на дўст,
Бир-бирининг шилишарди пўст.

Ниҳоят қоҳира давлат кучи билан иноят насими «Аллоҳ эса ўзи истаган кишиларни ғолиб қилиш билан қўллаб қувватлайди»²⁰⁸⁵ мавҳабидан эсди ва иззату иқбол куёши «Ғалаба Аллоҳдандир, фатҳ яқиндир»²⁰⁸⁶ ва «У имон келтирадиган кишилар учун раҳматдир»²⁰⁸⁷ матласидан кўриниш берди ва нусрат юлдузи «У сизларни ўз ёрдами билан қувватлантирган»²⁰⁸⁸ давлати буржидан ялтираб, мансур лашкар ҳайбат ва садамасидан куфрнинг ул мағрур гуруҳи янчилик, қочиш қарорини ихтиёр этиб, юзни қочиш водийси сари қаратдилар. **Маснавий:**

Бо думи аждар ту бози мекуни,
Бо малоик турк този мекуни.
[Аждарнинг думи билан ўйнашяпсанми,
Малаклар устига ташланмоқчимисан.

Ва бевафолик тупроғини мурувват кўзига сочиб, салтанат обрўсини фано елига совурдилар.

Назм:

Яке дод аз кафи инон мурод,
Болои рахши ҳавас дар фитод.
Яке тиркаш афканду бад ҳол монд,
Зи парвоз чун мурғ бе бол монд.
[Бири қўлдан мурод жilовин олдирди,
Ҳавас рахши устидан қулади.
Бири ўқдонин тушириб, ёмон ҳол топди,
Учишдан қушдек қанотсиз қолди.

Ва ўта даҳшату шитоб ва ғоятда ваҳшату изтиробда душман кўшини йўналиш жilовини қочиш томон тўғирладилар. Ислом лашкари эса жанг майдонини қиёмат кунининг даҳшатли шовқини билан тўлдириб, кўрар кўзлар олдида «у кунда киши ўз оға-инисидан ҳам қочур»²⁰⁸⁹ сурати намоён ва олам аҳли ўнгида «кўзлар... қотиб қоладиган кунига»²⁰⁹⁰ кўриниши аён бўлди. **Байт:**

Ҳар беша гумон мабар ки холист,

²⁰⁸⁵ Қуръони карим, 3:13.

²⁰⁸⁶ Қуръони карим, 61:13.

²⁰⁸⁷ Қуръони карим, 27:77.

²⁰⁸⁸ Қуръони карим, 8:62.

²⁰⁸⁹ Қуръони карим, 80:34.

²⁰⁹⁰ Қуръони карим, 14:42.

Шояд ки паланге хуфта бошад.
[Ҳар тўқайни ҳам холи деб ўйлама,
Балки унда йўлбарс ётгандир.

// 314^a Бахти қайтган ул гуруҳдан кўпи оташ афруз қилич тобидан ва жонни куйдирувчи пайкон ва ўқ шўъласидан ҳалокат хокига йиқилиб, зоғ ва итларга ем бўлдилар. Кўп жанг ўлжаси ва нусрат шиор сипоҳ кўлига ҳаддан ташқари равишда уруш асбоби, қурол-аслаҳа тушди. Шунингдек яна неча бир уруш ғаниматлари ислом лашкарига насиб бўлдики, ҳисоб-китоби йўқ эди. Куффор аҳлининг бир фирқаси Туркистон томонга, қолганлари Авлиё Ота томонга бадар кетдилар. Қоплон ҳамлалли, шер кулатувчи муборизлардан бир гуруҳи ва йўлбарс ғазабли жанговар муборизлардан бир фавжи эса қочганлар кетидан югуриб, бироз вақт улар орқасидан манзилларни босиб, жанг қила-қила қувлаб бордилар. Шу аснода куффор сафидан бир ўқ шижоат ва диловарлик ўрмонининг шери, ягона ва фарзона Рустамзод, сафни бузувчи мардлар марди ва лашкар янчар, яъни диловарлик ва мардоналик бобида ёлғиз Мингбой *қўшбеги* баҳодир *қипчоқ*нинг билагига келиб тегди. Шу яраланиш ҳодисаси билан лашкарнинг ҳаммаси қайтиб, ўз манзилига келиб тушдилар. Кофирлар эса мусулмонлар дастидан осонгина қутулиб, бадар кетдилар. Мингбой *қўшбеги* икки кун роҳат тўшагида ётиб, учинчи кунни шаҳидлик даражасига етди ва жаннат йўли бўйлаб мангулик юртига кетди. Тўла иззат билан ул шаҳиднинг жасадини Чимкент гўристонига дафн қилдилар. «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва алббата биз у зотга қайтгувчилармиз»²⁰⁹¹.

Шундан сўнг бу каби буюк ғалаба ато этгани учун Аллоҳи таолога шукрлар айтиб, Султон Саййидхон буйруғига биноан жаноб соҳибқиронийнинг лашкарини ўз жой-жойига ўрнаштириб, Чимкент қалъасини янгидан қуришга киришиб, Искандар Зулқарнайн тўғонини эслатувчи бир девор бино қилдилар. Шаҳар қалъаси қурилиши тугагач эса Чимкент ва Тошкентни Мирзо Аҳмад исмли *парвоначига* топшириб, сарҳад мерганларидан бир нечасини ўша ерга ёрдамчи ва илғор сифатида кўйдилар ва қалъани истехком мақомига етказдилар. Сартия²⁰⁹² ва *қирғизия* ва бошқалардан қай бирининг дилида бирор қора нуқтаси бўлиб, соҳибқироний борасида хиёнат қилган эрса, барчасини қилмишига яраша жазолаб, шарафли кўнглининг зангини кетказиб, ойнадек сайқал берган кўйи соф-мусаффо қилиб, юртда доимий тинчлик ўрнатдилар.

Жаноб саййидлик паноҳи Султон Маҳмудхон тўра билан бирга лашкарнинг Нормуҳаммад *қўшбеги*, Муҳаммад Назарбек *фармончи*, Ниёзали *додхоҳ понсад* боши сингари сарҳанглари шаҳодат шарбатини ичдилар.

Осойиш ва роҳатдан сўнг тинч яшаш умидини қилган кўйи йўналиш жиловини Тошканд томонга бурдилар ва анча масофаларни босиб ўтиб, Тошканд шаҳрига етишдилар ва Султон Саййидхоннинг бўсағасини ўпишга мушарраф бўлдилар. Ўн кун давомида ул сарманзил маконда истироҳат қилдилар ва осойишдан кейин // 314^b Султон Саидхон Хўқанди латиф томонга йўналиб, дашту саҳроларни босиб ўтгач, раби ул-аввал ойининг ўн бешида мазкур санада жума кунни Ўрда манзилгоҳи ва хусравлик шоҳнишинига яхши бир соатда келиб тушиб, қарор ва ором олди. Барча халқ амну амният билан Аллоҳ соясида фориг ил-бол яшай бошладилар.

Бу ишлар баёнидан сўнг ушбу қораламанинг мусаннифи соҳибқироннинг кофирлар устидан қозонган фатҳу зафарига бағишлаб жуда муносиб бир таърих айтган эди. **Таърих:**

Шоҳеки буд зафар рикобаш,
Нусрат ҳама вақт дар қарин буд.
Зи шўълаи барқи оташинаш,
Адувони замон ба сўзи дил буд.
Чун фитна гўзин аҳли куффор,
Аз моҳи ашур соли муш буд.
Ҳиммат ки зи додаи худованд,
Бар носияйи амири мо буд.
Ғайрат ки гумошт бар сари он,
Аз бас ки шужоъ бар худаш буд.
Бирафтанд ба лашкари фаровон,
Фатҳаш ки қарин бо зафар буд.
Оҳиста расид бар сари куфр,
Чандонки тағофили маҳал буд.

²⁰⁹¹ Қуръони карим, 2:156.

²⁰⁹² Сартия/сартлар – тожик ва ўзбек тилларида сўзловувчи Ўрта Осий шаҳарларининг аҳолиси. Сарт сўзи қадимда қарвонбоши, савдогар маъноларида ишлатилган.

Карданд ба шиддат зи ғайрат,
Зери замин ба жойи худ буд.
Карданд ҳама ба марг яксон,
Аз баски сипоҳ дил қави буд.
Тўпу дигараш расид аз куфр,
Ин жумла зи дигараш суволи буд.
Аз шиддати ғозиёни пурзўр,
Яксон ба марг жумлашон забун буд.
Фатҳу зафараш қарин доим,
Дар ҳаққи амир бо зафар буд.
Ба нияташ ки буд ҳосил ҳол,
Ин жумла ки ҳоли чаро буд.
Таърих: ҳазин банда Аттор,
Доим ба дуои жони шах буд.
Фатҳаш ки намуд шоҳи Турон,
Фарғона зи нуну ба фатҳ кам буд.
[Бир шоҳ эдиким, узангисида зафар,
Ғалаба эрди унга доимо ҳамсафар.
Оташин яшини шўъласидан яксар,
Замон ғанимларининг юраги ёнар.
Фитна кўзғатар кофирлар аҳли,
Ашур ойида-ю, Сичқон йили.
Худо атоси бўлмиш ул ҳиммат,
Амиримиз манглайида эди сабт.
Ғайрат қилди душман усти сари,
Ўзидаги шижоатдан юриб илгари.
Ёнида кўп қўшин билан шу он,
Зафарни тилаб бўлдилар равон.
Аммо ишлатиб ҳарбий ҳийлани,
Топиб куфр ғофил ётган паллани.
Шиддат-ла ташландилар шу чоқ,
Маҳкам тираб қаттиқ ер узра оёқ.
Кофирга ичирдилар ўлим шарбатин,
Қўшин дили эрди чун бақувват, метин.
Сезиб душман ҳам тўпу туфанг отди,
Аммо кўпрак саволдан ўйга ботди.
Зўри кўп ғозийлар ҳамласидан,
Кофирлар бўлди ўликлар жумласидан.
Фатҳу зафарга ёрдир хонимиз ҳамиша,
Чун худо этмиш унга ғалабани пеша.
Ниятига яраша воқеа рўй берди бу он,
Ниятида фақат шу эрди ахир бегумон.
Таърихи эса шудир: ҳазин банда Аттор,
Шоҳ жонининг дуосини қиларди такрор.
Фатҳдан Турон шоҳининг дили жам эди,
«Фарғона»да «нун» фатҳа билан кам эди].

**Соҳибқироннинг қайтадан Рус кофирлари устига юриш қилгани ва ва Иқон мавзесига
бориб, кофирлар билан уруш солгани²⁰⁹³**

Беқарор турмуш ҳодисаларини билувчиларнинг муқаддас кўнгиллари ва нопойдор оламнинг ўзгариш хусусиятларидан хабардорларнинг ҳақиқатни кўрсатувчи ақлларида яширин қолмай, ахбор аҳволи воқеаси баёни барчага равшан ва ойдин бўлсинким, жаноб соҳибқироний улуғ давлат билан қайтгач, лаънати шумният кофирлар Авлиё Отага бостириб келдилар. Хон бир неча кун давомида дам олиб ва қанча қурол-аслаҳа ва уруш асбоб-ускуналари керак бўлса, барчасини янгидан

²⁰⁹³ Иқон воқеаси 16-18 (1-6) декабрь содир бўлган.

таъмирлаб, тузатиб ва вақтни ғанимат билган кўйи яна Чимкент томонга юриш бошладилар. Анчадан сўнг Чимкент қалъасига яқин жойда қамал учун отдан тушдилар.

Кофирларнинг «келди-келди»си Мирзо Аҳмад *қўшбегига* // 315^а маълум бўлгач, зоғ сингари каклик рафтор бўлиб, эртаси куни сариқ рангли офтоб фарҳанг подшоси буйруғи билан жанг томошаси учун ташқари чиққан маҳал, яъни тонг билан Мирзо Аҳмад чексиз лашкар билан кофирлар садди роҳин ихтиёр қилиб чимкент қалъасидан ташқари чиқди. **Рубоий:**

Бе тааммул мабош дар ҳама ҳол,
Бигзар аз тариқи истеъжол.
Ҳар ки дорад таъни андар кор,
Ба муродоти худ расад ночор.
[Ҳеч бир ишни ўйламасдан қилма,
Шошилиш йўлини тутма, кеч ундан.
Ким ўз ишида тиришқоқлик қилса,
Абатта ўз муродига етади].

Сар-сар елдек, балки ундан ҳам тезроқ равишда кофирлар турган маконга етиб, бир-бири қаршисида саф туздилар ва шу ҳолатда кофирларга қуйидаги нарса маълум ва равшан бўлди: Мирзо Аҳмад *қўшбегига* бу ишга журъат қилибдими, демак у на мокиён ва на хўрозга ўхшайди. Кофирлар ғайратини бир ерга йиғиб шу кўрқинчли мақом ва хатарли маконда туфанг ўқи томон қўл чўзиб, жангга киришдилар. **Назм:**

Ҳаво торик шуд аз тири борон,
Жаҳон пинҳон шуд гарди саворон.
Зи бисёре ки тир аз роҳ равон шуд,
Ту гуфти тир мағзи устухон шуд.
Аз пайконҳо чунон пур жола карданд,
Зи хун руйи замин пур лола карданд.
[Ўқ ёмғиридан ҳаво қоронғулашди,
Олам кўринмай қолди отлиқлар чангидан.
Ўқ кўп отилганидан,
Ўқ суяк мияси каби бўлди.
Пайкондан ҳаммаёқда жола эди,
Қондан ер юзи лолага тўлди].

Икки тараф ҳам қанча сайъ-ҳаракат кучига эга бўлсалар, шунчалар амалга оширдилар ва қахрамонлик кўрсатиб, сабот ва қарор оёғини қаттиқ тираб, бир-бирининг устига ташландилар. Ниҳоят кофирлар қўлининг қудрат кучи юқори бўлиб, мусулмонлар ихтиёр жиловини орқага буриб, Чимкент сари кетдилар. Аммо бул ўлканинг сипаҳсолори Мирзо Аҳмаднинг кўрқоқлиги ва лоқайдлигидан Чимкент қалъасига кириб бекинмай, Тошкент йўлини танладилар. **Байт:**

Агар чанд бошад камон сахтгир,
Ки охир тавозе кунад пеши тир.
[Камон қанчалик қаттиқ қўл бўлмасин,
Барибир ўқ олдида икки букилади].

Ислом пиёдалари кучлари етганча ул кофирлар билан жангга киришиб, муродсизлик оёғини тираган кўйи нобакор кофирлар туфанги ўқидан жонларини қўлдан бердилар. Душман уларга қарши уруша-уруша, ниҳоят жумода ал-аввал ойининг учинчиси 1281 санада сешанба куни²⁰⁹⁴ Чимкент қалъасига кирди ва қанча зулмкорлиги бўлса кўрсатиб, мусулмонларга нисбатан бор зуғумини бажо келтирди. Ҳисоб-китоб доирасидан ташқари даражада кўп одам ўлдирдилар. Айрим ривоят қилувчилар гапига қараганда, бу ўлдир-ўлдирлар тинчигач, ислом аҳлидан ўлдирилганларни қаламга олсалар, уч минг бир юз етмиш олти нафар катта-кичик ва эру аёлдан қатлга етган экан. Сипоҳгарликнинг нима қурол-аслаҳаси ва омборларда қанча ғалла бўлса, бариси крфирларнинг тасарруф қўлига кирган. Шундан сўнг кофирлар бу қалъада кўп ушланиб қолмай, қочган мусулмонлар кетидан қувган кўйи Тошканд вилоятигача //315^б етиб бориб, Тошканд қалъасини қамал қилишга киришганлар. Бир неча кун дам олгач, тонг вақтида қалъа тагига келиб, шундай югуриш қилганларки, башарий ақл кофирларнинг бу каби журъатидан хайрат донг қотган. Буни кўрган қай бир кўрқоқ бўлса, қочишга тушган. Албатта Тошканд қалъасида кўпгина ботир ва шижоат аҳли бўлиб, тўпми-туфангми отиб, ўқларни жола ва ёмғирдек кофирлар устига ёғдиришга киришганлар.

²⁰⁹⁴ 4 октябрь 1864 йил.

Аксар кофирлар ер билан тенг ва яксон бўлиб, минг бир меҳнату машаққатда орқага чекиниб, ўз қўш-қароргоҳида қарор топишган. Худда ана шу воқеалар рўй бериб турган маҳали жаноб соҳибқироннинг «келди-келди»си хабари тарқалган. Бу миш-мишни эшитган кофирлар дарҳол ўрнидан қўзғалиб, бадар кетганлар.

Бундай беминнат ғалабани қўлга киритган Тошканд аҳли кофирлардан бир нечтасининг бошини кесиб, бу каллалар ёнига тухфа ва ҳадялар қўшиб, чексиз арзадошт ва бениҳоят даражадаги шукрларни адо этган кўйи уларни жаноб соҳибқироний ҳузурга юбордилар. Ўн тўққизинчи жумодилаввал чоршанба куни бу хушxabар ва ул бехосият каллаларни Хўқанди латифга етказдилар ва шодлик устига шодлик қўшилиб, фуқаронинг катта-ю кичиги бир неча кун хурсандлик қилдилар. Бу каби хабарлар кетма-кет жаноб соҳибқиронга етиб кела бошлагач, ул дин шохининг тоқати тоқ бўлиб, вилоятлар томонга марғуб иноятномалар юбориб, ўзи озгина кишиси билан мазкур ойнинг ўн тўртинчисида тез суръатларда масофаларни босиб ўтиб ўзини Тошкандга етказди. Қараса, кофирлар чиндан ҳам қочиб кетишибди. Ўша ерда сукунат қилиб иқомат тўшагини ташладилар. Лашкар аҳли ҳам бир-бири кетидан етишиб, соҳибқиронга келиб қўшила бошладилар. Уларнинг кўплигидан тоғу тошни лашкар босиб кетди. Кофирлар соҳибқирон кўрқинчидан Чимкент дарвозасидан ташқари оёқ қўймай, аммо, ҳеч қаёққа кетишни хаёлига ҳам келтирмай, шу ерда бекиниб турдилар. Тошканд томондан ҳам келиш хабари эшитилмай, икки томоннинг бу каби тўхтаб туриш вақти чўзилавергач, шу орада қиш фасли яқинлашди ва кун сайин зимистон тараққийси авж олди. Қор ва ёмғир ёғиши ҳам кучайиб, қор ва муз қалинлиги от ва туяларнинг кўкрагигача етди. Жаноб соҳибқироннинг ғайрат талаби айни ана шу туфлаган тупугингиз ерга етмай музлаб қоладиган паллада жўшиб, уруш ҳамласи билан қадамни олға босишга рағбат кўрсатди. Шунга кўра бу томондан ўн икки минг нафарга яқин шермард ва кофир ўлдирувчи ботир ёшлардан иборат лашкар мулло Алиқули сардор узангиси остида олий фармойи олиб, ражаб ойининг ўн тўртинчисида душанба куни // 316^a Туркистон томон йўлга тушди. Ўша вақтда ҳаво совуқлиги шундай кучайган эдики, ҳис ва ҳаракат инсоний руҳ табиатидан соқит ва нафас тан қасабаси ва раиясидан борлиқ тўшагини йиғиштириб, илонга ўхшаб терисидан ташқари чиққан эди. Хусусан Тошканддан чиқиб, Қайрағоч мавзесига тушган куниси ўша туннинг қоқ ўртасида кучли шамол қўзғалиб, Од қавми воқеасини эсга солиб, «Энди Од (қавми)га келсак, бас, улар бир дахшатли, қутурган бўрон билан ҳалок қилиндилар. У (бўронни Аллоҳ) уларнинг устига пайдар-пай етти кеча ва саккиз кундуз ҳоким қилиб қўйдик, энди у жойдаги қавмни худди чириб-ичи бўшаб қолган хурмо дарахтининг, танасидек қулаб ҳалок бўлиб ётганларини кўрасиз»²⁰⁹⁵ дан хабар берди. Совуқ ҳам ҳаддан ошгач, ҳар бир одам ўз ҳолига боққанча «вой бизга» демоққа киришди. Одамлар оёқ-қўлини ўликнинг қўл-оёғига ўхшаб бир ерга йиққан кўйи ўзининг шу ҳолу ҳолатига қарамай, яъни бир нечасининг қўл-оёғини совуқ уриб, айримларининг кўз-юзи музлаб, баъзилари ҳушсизликдан йўлини йўқотиб, хуллас бу сингари ажиб бир кўриниш юз бериб турган эса-да, тез суръатлар билан йўл юриб, Чепик мавзесига етиб бордилар. Бу мавзе халқнинг у ўлкадан, бу юртга ўтадиган манзилларидан бири бўлиб, кофирлар бу ерда бир қалъача бино қилиб, бир неча нафарни йўлга посбон қилиб қўйишган эди. Лашкар аҳли ногоҳоний ҳамла билан ул қавмдан эллик нафарининг бошини кесиб, бу ўтарликдан кўнгилларини тинчитдилар. Сўнг зафар тобли жиловни Иқон томон бурдилар. Ярим тунда у ерга ҳам етиб, Иқон қалъаси тагига бориб қўш ташладилар. Зулмоний тун мағрибнинг қиргуни сари кетгач ва зарнигор офтоб малики жаббор амрига биноан машриқ томондан кўрингач, қалъанинг ғафлат босган халқи бошларини эшигу тешиқдан чиқариб кўришса, нусрат пайкар, ферузий манзар олам-олам лашкар қалъа тагига келиб тушиб, дам олиб ётибди. Қалъа халқи иш чатоқлашганини кўриб, душманларни ушлаб, уларга топширишдан ўзга чора йўқлигини билдилар. Сўнг ўша атрофдаги бир неча шум кофирнинг барисини тутиб, бўйинларидан боғлаб, оқ юз билан ўзлари ҳам жаноб Султон Саййидхон ҳузурга ошиқдилар. Тошкандга келиб, жаноб султонликнинг назарига манзур бўлгач, бандиларни бир-бир хон назаридан ўтқариб, ҳар бири хоқонликнинг лутфига эришдилар ва ўз мартабаларига яраша сарафроз бўлиб, мамнун ва хурсандлик ҳосил қилдилар. Олий фармойишга биноан ул бандиларнинг кўпини жаҳаннам тубига жўнатдила. Сўнг ўша кунни дам олиш билан ўтказиш ниятини кўнглига тугдилар. **Байт:**

Тўфон аз он диёр бар омад магар ки абр,

Он дам шунида буд садои дуои Нух.

[Ул диёрдан тўфон чиқиб кетди, магар булут,

Бу он Нух дуоси садосини эшитганмикан].

Аммо аср билан шом вақти оралиғида кетма-кет равишда «ҳозир бир неча юз //316^b рус кофири дабдаба ва савлат тўкиб келишди» деган гаплар келди. Бу хабарни эшитган захоти

²⁰⁹⁵ Қуръони карим, 69:6.

соҳибқиронийнинг боши косахонасидан ғафлат уйқуси учиб ва мардоналик ғайрати уч юз олтмиш олти томири ва тўрт юз қирқ тўрт устихон парголосидан жунбишга кириб, бир неча лашкар аҳлини тўп-тўп ва байрақ-байрақ тарзида кофирлар олдини тўсиб чиқишга буюргач, лашкар аҳли йўл тўсиш тадбири воситасида кофирларнинг йўлини тор қилган кўйи ҳалқадек ўраб олдилар. Ер то от қорнигача қор ва муз бўлгани ҳамда ҳаво совуқлиги ҳаддан зиёдлик даражасига етгани сабабли ўша тунни от устида ўтказган сарвқомат ёшлар оёқ-кўлини бир-бирига маҳкам қисиб, кофирлар эса қор остида эмаклаб, юз минг меҳнату машаққат билан уйқусиз тун ғафлатини кунга уладилар. Қисқичбақа офтоби фарҳанг подшоси амрига биноан машриқ томондан бош кўтариб чиқиб, зулмонийлик оламини нуронийликка айлантиргач, ислом лашкарининг ғозийлари тўрт томондан ва олти жиҳатдан тўпми туфанг ўқларини дўлдек қилиб ул кофирлар устига отдилар ва чаққон ёшлар ҳар томондан тақовар йўрттирдилар. Кофирлар эса жон ваҳимасидан уларни ўз яқинига йўлатмасдилар. Шу сифат билан пешин вақтигача, ундан шом маҳалигача кўп сайъ-ҳаракат қилсалар ҳам натижа чикмади. Кофирлар тоғдек устивор турганлари учун ақлли соқиброй одамлар ўз маслаҳати ойинига кўра ҳунармандлик ишлатиб, уларнинг тўрт тарафи ва олти жиҳатидан кигиз, дарахт шохлари, қор ва муздан қора бўйра боғлаб, бир кеча-ю бир кундуз деганда секин-аста юрганча ўзларини кофирлар турган ер ҳошияси яқинига етказдилар. Сўнг мард кишилар ҳар тарафдан ва куч синовчи ғозийлар ҳар жиҳатдан туйқус усулда ўрнидан турган кўйи қўлларидаги обдор шамшир билан ул номдор баҳодирлардан ҳар бири кофирларга ёпишиб, оз фурсатда душмандан анчасини ўлдириб, яралаб ва несту нобуд қилиб, оёғлари остида пўфакдек ёриб ва сурма каби эздилар. **Назм:**

Жаҳони жавон фуруд омад аз борагий,
 Ҳамон лашкараш низ якборагий.
 Ба тадбири осойиш оварданд рой,
 Нажунбид то рўзи равшан зи жой.
 [Ёшлик олами қуйилди тўсатдан,
 Қўшин аҳли тушиб минган отдан.
 Осойишталикка қарор қилиб,
 Тонггача ўз жойидан қўзғалмади].

Баттоллардан ўттиз-қирқ нафари оту туялар оёғи остидан қочиб чиқиб, Туркистон томонга кетмоқчи бўлдилар. Чаққон мард йигитлар бундан хабар топиб, уларнинг кетидан етдилар ва ўку туфанг остига олиб, ул гаранг кофирларни ҳалокат гирдобига улоқтирдилар. Ул кудуратли қавмдан уч-тўрт нафари минг ҳийла-ю найранг билан ўзларини зўрға халос қилган кўйи // 317^a Туркистон қалъасига бориб кирдилар²⁰⁹⁶. Шу жанг туфайли ул ярамас қавмга соҳибқирон келгани хабари маълум бўлди. Туркистон қалъаси дарвозасини уч кунгача очмай, кеча-ю кундуз ҳозир у нозир бўлиб турдилар. Жаноб соҳибқироний эса фатҳу зафардан сўнг Туркистон қалъасига қайтишни назаридан қочирмай, жуда кўп мол ўлжа олиб, нечта тўп, неча юз милтиқ, сон-саноқсиз от, туя, сигирни олдига солиб, яхши бир соатда подшоҳлик салтанати тахтигоҳига етиб, қарор ва ором олди. Бундай урушмай қайтиш сабаби шунда эдики, агар лашкарни бу сингари оғир шароитли вазиятда Туркистон қалъаси устига юборганда, табиийки кофирлар билан султонлик лашкари уруши орасида қолган ислом аҳли ҳам хонавайрон бўларди. **Назм:**

Агар подшаҳ ба рой ганж оварад.
 Вале зердастон ба ранж оварад.
 Чу ноком бояд ба душман супурд,
 Пас он ранжро бод бояд шумурд.
 [Подшоҳ ганж топмоқ учун урушмоқчи бўлса,
 Бироқ қўлостидагиларни ранжга солса.
 Ул бадбахтни душманга топшир,
 Зулмини эса уткинчи елдек унут].

Хон олти ойга яқин шоҳлик пойтахтида ўтириб, туну кун уруш асбоби, найза ва қилич яшаш бобида етук ҳаракатлар қилиб, замоннинг нодира ишли ва монийсифат усталарини ҳар вилояту диёрдан йиғиб келтириб, оз вақт ичида етмиш-саксон дона уруш тўпини тайёр қилиб, неча минг саккиз ваҳб-ўн ваҳблик султонлик туфангидан йиғиб, сон-саноғи ҳисобдонларнинг ҳисоб доирасига сиғмас даражада ўқ, курол-яроқ, бошқа сипоҳлик асбобларини тайёрлаб, салтанат ойини ва кўнгил тинчлиги учун ул ярамаслар устига юборишни режа қилди. **Назм:**

²⁰⁹⁶ Иқон муҳорабасида Серов бошчилигидаги дастасидан (жами улар 103 нафар бўлган, 2 зобит, 97 казак, 4 аскар, 1 йўлбошчи Аҳмад) 1 зобит, 50 казак, 2 аскар кейинчалик олинган захмларидан 11 урал казаки ҳалок бўлган эди.

Ба оҳистагий кори олам барор,
 Ки дар кор гармий наояд ба кор.
 Чароғ а-р ба гармий нияфрўхти,
 На худро, на парвонаро сўхти.
 Шикейб оварад бандҳоро калид,
 Шикейбанда ҳаргиз пушаймон надид.
 [Аста-секинлик билан олам ишини тузат,
 Ишни қизиққонлик билан битказиб бўлмас.
 Чирокни қизиққонлик билан ёқмаганинда,
 На ўзинг куярдинг, на парвонани куйдирардинг.
 Сабр тугунларга калит эрур,
 Сабр этувчи сира пушаймонлик кўрмаган].

Кофирларнинг Ниёзбек қалъаси устига бостириб келаётгани ҳақидаги хабарлар 12-зул-ҳижжада²⁰⁹⁷ кетма-кет кела бошлади. Жаноб соҳибқирон маслаҳат бўйича ён-атрофдаги вилоят тавобеларига номалар юбориб, лашкар йиғишга киришди. Шу ҳолатлар ўтиб турганда, мазкур йилнинг 19 зул-ҳижжаси якшанба куни²⁰⁹⁸ кофирнинг Ниёзбек қалъасини олгани хабари тарқалди. Бу воқеа баёни эса шундай эди: Душман аҳли шанба оқшоми ярим тунда хуфия ва ўғринча бирданига қалъа дарвозаси ва девори устига чиқиб, //317^б карнай-сурна ва ноқора чалиб, қиличларни жаранглатиб, туфангни садога киритиб, ғафлатзада аҳолини уйғотиб юбориб, халқни ўзларининг бостириб келганидан огоҳ қилдилар. Қоронғу тунда ул бечоралар бу даҳшатли воқеа рўй берганини кўргач, барчаси саросима ичида қолиб, баъзилар ўзини дарёга ташлашди, айримлар эса ўзини қалъа деворидан пастга отиб, кўпчилик қисми кофирлар қўлига асир тушганча тунни кунга уладилар. Гулранг офтоб фарҳанг малики амри билан осмон даричасидан бош чиқариб, оламни нуроний қилгач, хабар етказувчилар ҳар тарафга ёйилиб кетиб, якшанба куни зулҳижжанинг ўн тўққизида бу хабарни Хўқандга ҳам етказдилар. Замон амирлари ва катта-кичик фуқаролар бу даҳшатли воқеадан кўнгиллари паришон бўлиб, эртасига душанба куни мазкур ойнинг йигирмасида жаноб соҳибқирон тўла суръат билан ул тарафга йўналиб равон бўлди. Чоршанба кунигача ўзини Тўйтепага етказиб, ўша ерга тушди. Бир кун Тўйтепада дам олгач, лашкар кетининг етиб келишини кутди. Жума тонгида журъат юзасидан Аллоҳга таваккал қилишни лозим кўриб, жасур лашкар билан Чирчиқ номи билан танилган Фарак дарёсидан ўтиб, ҳеч ерда тўхтмай, душмандан кўрқмай, ул ор-номуссиз ярамаслар томон равона бўлди. **Назм:**

Раворав чу бархост аз кўчгоҳ,
 Шаҳаншоҳи ўзбек дар омад ба роҳ.
 Зи рангин аламҳои гуҳарнигор,
 Ҳама рўйи саҳро шуда лолазор.
 Ва ғоиша гардони саркаш ҳама,
 Фурў рафта дар обу оташ ҳама.
 Дигарон пур фитнаву тез хашм,
 Ниҳода ба роҳ аз пайи кина, хашм.
 [Юра-юр қўзғалди кўчгоҳдан,
 Ўзбек шаҳаншоҳи йўлга тушди.
 Гавҳар юзли ранг-баранг туғлар,
 Бари лоазор қилди саҳро юзини.
 Барча қўшин аҳли бўйсунмас,
 Тушиб сув ва олов ичра бари.
 Бошқалари пур фитнаву тез ғазаб,
 Кина юзидан йўлга оёқ қўйишди].

Куфр аҳли мусулмонларнинг ҳиммат ва ғайрати жўш уриб, устларига бостириб келаётганини билди ва ислом аҳлининг бу янглиғ шукуҳидан кофирлар дилига кўрқув тушди. Шу сабабли турган жойидан кўчиб, бир манзил орқадаги Шўртепа мавзесига бордилар ва ўша ерни қароргоҳу манзилгоҳ қилдилар. Жаноб хон эса *амир лашкар* билан бирга етиб келиб, Минг ўрук манзилида нузули ижлол қилди ва кечаси ўша ерда роҳат тўшагида ухлаб, шанба куни тонгида ховари аъзам шарқ томондан фарҳанг малики амрига биноан жанг ниятида бош кўтаргач, жаноб шоҳ нусратпаноҳ лашкар билан бирга суронли юришни шавкат дабдабаси ила бегаб, тўпу тўпхона ва йигирма важб-ўн важблик

²⁰⁹⁷ 1865 йил 8 май.

²⁰⁹⁸ 1865 йил 15 май.

узоқни нишонга олиб отувчи қароқўндоқ милтиқлар кўтарганча шарҳи баёнга сиғмас даражадаги ва ундан ортиғини тасаввур қилиб бўлмас миқдордаги султонлик салтанати равнақи остида Шўртепа ва кофирлар ётган жой томон йўналди.// 318^а Тез учувчи ўқи бургути чангали ҳайбатидан арши аъло қушлари тинчлик қанотини қоқишдан қолувчи ва нишонга тўғри тегар найзалари маҳобатидан фалак шери савлат панжасини ланжлик гавдаси остига олувчи, эгнига зирехли темир совут кийган, зарафшон жавшандан тилло кежим ёпинган отларга минган қасоскор лашкар баҳор кўшини каби ҳаракатга келди ва саъй-ҳаракати ниҳоятда кўплигидан бахти қайтган душманлардан қасос олиш мақсадида уларга юзма-юз бўлиб, Фаридундек кўп урушларни кўрган ва жанг жавшанида тарбияланган, эгар-жабдуқ бешигида қанот ёзган ва доимо фатҳу ғалаба йўли қадахларини сипқориб юрган, айёмнинг аччиқ коми жомидан нордон зарбалар таъмини татиган ва ҳимматни шерлар чангалидан тортиб олган, мулкни наҳанглар оғзидан чиқариб олган, ҳеч бир уруш майдонида қилич жангидан юз ўгирмаган, кураш ва олишув майдони очган ҳимоячи қўли «Ким Аллоҳга боғланса бас, муҳаққақи, тўғри йўлга ҳидоят қилинибди»²⁰⁹⁹ деганидек, таваккал этагидан маҳкам ёпишган ва барқарорлик оёғини иқтидор узангисига қўйиб, ихтиёр жиловини яратганнинг қудрат қабзасига тутқазган амири лашкар мулло Алиқули Султон Саидхондан фотиҳа ижозатини ҳосил қилгач душман ёқасидан қаттиқ олганча уруш ҳаракаларига киришдилар. Амири лашкар филни йиқувчи, шерни босмь-янчувчи довюраларни кўшиннинг соқа ва муқаддимасига тайин қилиб, душман рўпарасида Ҳазар денгизига ўхшаб, мавж урган кўйи дилга фитна ва ошуб солиб, жондан воз кечиш ишига киришдилар. Жаҳон табиати тинчлик ва осойишталикдан умид узиб, тўс-тўполонга мойил бўлди. Осмон буржлари ҳам ўз одатларига қарши ўлароқ иш тутдилар. Еру кўк орасида олишув чанги ва дағдаға гард-ғубори уруш қасоскорларининг қони тошқинисиз босилмайдиган даражада юзага чиқди, жоннинг танга хусумати ва низоси шиддати қиличу туфанг, жон олувчи найза зарбисиз сира ҳам тўхтамайдиган миқдорда кучайди. Уруш майдони жанг шўъласи учқунидан аланга олиб, худди сув денгизи қиёмат шамолидан тўлқинлангандек изтиробга тушди. Хуллас, ислом аскарлари чоштгоҳ вақтидан шом қорайгунга қадар ул номи ўчгур кишилар билан жанг мавжини тўлқинга келтириб турдилар. Шу зайл кун ғарбнинг қора қудуғи сари ингачгина кофирлар томонидан қайтиш табли чалиниб, бахиллар гўридан ҳам чуқур жойларига чекиндилар. Ислом лашкари ўша тунни //318^б ухламай ўтказиб, ул малъунларнинг атрофини ҳалқа каби ўраб олиб, субҳи содиққача жойларида маҳкам ва барқарор турдилар. Давлат устунлари лабни арзи адабга очиб, боғлаб, давлатхоҳлик юзасидан «лашкар аҳлининг лаби ташна ва қорни оч. Яхшиси кўшга бориб, осойиш ва ором олиб, эртага барвақт яна бу жамоат устига келайлик», дея арзга етказдилар. Аммо ботир *амир лашкар* мулло Алиқули бу насиҳатларга қулоқ осмай, виқорли тоғдек устивор эди. **Байт:**

Насиҳат гўш кун жоно ки аз жон дўсттар доранд,

Жавононони саодатманд панди пири доноро.

[Эй жон, насиҳат эшит, жондан дўстроқ тутишар,

Саодатманд ёшлар доно кекса пандини].

Эртаси якшанба куни мадриқ ховари жанг толиби бўлиб, талаотўп билан бошини гардун чашмасоридан ташқари чиқаргач, ислом аҳли кофирни тор-мор келтиришга ҳиммат тикиб, қўлини тўпу туфанг сари чўзган кўйи урушга киришдилар. Ҳар тарафдан зарбат қўлини кофирлар томонга сараб, тўпу туфанг отдилар. Кофирлар бетоқат бўлиб, саросима ҳолатига тушган кўйи минг хил тадбир билан ўзларини ул тор макон сиқиклигидан баландлик маскани кенглигига олганча қаттиқ урушга киришдилар. Тарафлар қанчалик урушга саъй-ҳаракат қилсалар, фалак тоmidан кузатаётган малаклар шермардларнинг қўли ва билагига шунчалик кўпроқ таҳсин ва офарин айтардилар. **Байт:**

Далерон жумла сар дар фиканданд,

Сари мардон ба як дигар фиканданд.

Ҳама рўйи замин аз хун ғарқ шуд,

Фалакро акси он хун бар шафақ шуд.

Сипаҳ якборагий бар ҳам бар ошуфт,

Замин аз хун, фалак аз гард бинухуфт.

Зи кушта кўҳ шуд як сўи кишвар,

Зи хун дарё шуд аз як сўи дигар.

Зи дасти саркашон теғи тезтоб,

Чунон мешуд ки бар ойна симоб.

Чу шам аз хуни душман рехт борон,

²⁰⁹⁹ Қуръони карим, 3:101.

Қалам шуд теғ дар дасти саворон.
Басо кас кушта, хаста шуд он рўз,
Шуданд аз захми бедодон жигар сўз.
Ҳама кори замин хунхорагий буд,
Фалак зи даври худ наззорагий буд.
[Ботирлар бариси бошларин тикдилар,
Мардлар бошини бир-бирига отдилар.
Бари ер узра қонларига ғарқ бўлиб,
Ул қон аксидан фалакда шафақ бўлиб.
Қўшин бирданига бир-бирига ташланди,
Ер қондан, фалак чангдан кўринмай қолди.
Юртнинг бир тарафида мурда уюмидан тоғ,
Қонлардан дарёлик бўлганди яна бир ёқ.
Саркашлар зарбидан обдор қиличлар,
Ойнадаги симобдай эриб оқарди.
Шамдек душман қонидан ёғарди ёмғир,
Икки бўлинди шамширлар отликлар қўлида.
Ўша кун кўп одам ўлиб, яраланиб,
Додга етмаслар дастидан куйди жигарлар.
Замин ишининг бари қон ичувчилик бўлди,
Фалак ўз айланиши билан томошабин бўлди].

Шундай олишув билан ор-номус юзасидан тарафлар жанги пешингача тўхтамай, кофир ва мусулмон бир-бири ёқасидан олиб, қаттиқ урушдилар²¹⁰⁰. Кофирларнинг аҳволи тангликка етишса-да, майдондан қайтиши мумкин бўлмай, тақдирга тан берганча «Сан қочмасанг ёв-ку қочар» деган туркий масалга кўра тўпу туфангни худди қор ва жоладек отиб, ҳаммаёқни остин-устун қилиб кела бошлашди. Мусулмонлар ҳам мардона жанглари қилиб, //319^a чидам оёқларини қаттиқ тираб турдилар²¹⁰¹. Шу аснода илоҳий қазову қадардан 1281 йилнинг олтинчи зу-л-ҳижжасида²¹⁰² кофирлар сафидан бир ўқ мулло Алиқули *амир лашкар*нинг таҳигоҳига етиб, қаттиқ ярадор бўлганча отдан йиқилди. **Назм:**

Қазоро шуд аз офат ногузир,
Мизожи шермард тағйир пазир.
Зи табҳола озарда омад лабаш,
Фитод оташе дар жаҳон аз табаш.
Бо мир афрўхташ чехраи тоб,
Табб зи табҳола озарда гардид об.
Расидаш хазон дар баҳори ҳаёт,
Навиштанд дар қабзи руҳаш барот.
[Қазову қадардан офатга тутилди,
Шермарднинг ҳоли ўзгача бўлди.
Иситмадан гезарди лаби,
Иситмасидан жаҳонга ҳам ўт тушди.
Амирнинг юзи ловуллаб ёнди,
Иситмадан бадани сувдек бўшашди.
Ҳаёти баҳорига айланди кузга,
Руҳини олиш учун ёздилар барот хатини].

Шу сабабли ислом лашкари орасига бузилиш тушиб, талотўм мавж уриб, ҳар ким ўз ҳолича тарқалиб кетдилар. Лашкар соҳиб назарлари ул Хазар денгизи талотўми мавжидан чиқиб, жаноб *амир лашкар*ни отга миндириб, барча уруш асбоби – тўпми, туфангми, қурол-яроқни мукаммал ҳолда олдларида тутиб, *амир лашкар*ни Тошканд қалъасига етказиб, белгиланган жойга ётқиздилар. Анча

²¹⁰⁰ Босқинчилар сафи саккизда пиёда рота, 2 казаклар сотнясидан иборат бўлиб, уларда 10та тўп бўлган. Тошканд қамали вақтида уларга яна иккита рота икки тўпи билан келиб қўшилган (жами 1300 аскар). Бу кучларга полковник (кейинчалик генерал) Абрамов, подполковник Жемчужников, ротмистр (кейинчалик полковник) Вульфферт, поручик (кейинчалик генерал) [Пётр Михайлович Шорохов](#), майор Делакроа, полковник Краевский ва б. кумандонлик қилган.

²¹⁰¹ Тошкентлик қамал вақтида 40 баррикада, 10 сангарда туриб жанг қилганлар. Уларнинг ихтиёрида 73 та тўп бўлган. Мудофаа жанглари натижасида босқинчилардан 25 нафар ҳалок бўлиб, 157 нафар яраланган.

²¹⁰² 1865 йил 2 май. Бошқа маълумотларга қараганда Алиқули амирлашкар 23 зу-л-ҳижжа 1281/19 май 1865 йили Тошкентнинг Минг урук мавзеига келиб тушган. 21 май амирлашкар босқинчилар ўқидан яраланиб вафот этган.

вақт ўзига гоҳ келиб, гоҳ келмай ётди. Қаерда ҳозик табиб, комил жарроҳ, тибдан хабардор олим ва амалиётчи бўлса, барчасини топиб келтирдилар. Ул оғир жароҳатни кўрганлар тасарруф қўлини илож этагидан тортганча муолижасида ожиз қолдилар. Касаллик дам-бадам кучайиб, инсоний тадбир осмоний тақдир сабабли ожиз келиб, саот сайин ўлим ва мавт аломати зоҳир бўларди. Узоқни кўрувчиларга иш оқибати аниқ кўринмоқда эди. **Назм:**

Агар бе марг буди подшоҳи,
Басе даъви бар фишурди худой.
Надида касе то абад зиндаги,
Худойе жаҳонро аст пояндаги.
Намонад ба кас ин жаҳон пойдор,
Худои жаҳон аст бар як қарор.
[Агар ўлимсиз бўлсайди подшоҳлик,
Ҳеч бир даъвогарни юбормасди Худо.
Ҳеч ким абадий ҳаёт кўрган эмас,
Фақат жаҳон худоси эрур мангу.
Бу жаҳон ҳеч кимга вафо қолмас,
Жаҳон худосидир бир ерда барқарор].

Бу ҳол давлат аҳли-ю, катта-кичikka маълум бўлгач, боқибат *қирғиз* ва *қипчоқ* халқи вақтни ғанимат билиб, ўрмонни холи англаб ...ул ҳолга ...йўналиш жиловини Қурама томонга тўғирлаб кетдилар ва Тилов манзилгоҳига бориб тушдилар. Фақат анчадан сўнггина ақл-ҳушларига келиб, ўта ёмон иш ва тубан, қабих иш қилганини англаб етдилар. **Мисраъ:** Чаро коре кунад оқил ки боз орад пушаймоний (Оқил киши нимага сўнг пушаймонлик келтирувчи ишни қилиши керак экан.); Бир неча кун ўша ерда истиқомат қилиб, кеча-ю кундуз маслаҳатлашсалар-да, бирор натижа ва тўхтама етмадилар. Шундан сўнг қайтиб, Тўйтепага келиб, //319^б Тошкандга Султон Саййид Муҳаммадхонга узрнома ёзиб юбордилар. Қосид неча масофаларни босиб ўтгач, Тошкандга етишди ва ул номани Султон Саййид Муҳаммадхон назаридан ўтказди. Давлат аркони ва салтанат аъёнлари ул мардудлар сўзига амал қилмай, қосидни муродига етказмасдан қайтариб юбордилар. **Байт:**

Доди мазлумон бидех, мақсуди маҳруммон бар ор,
Дини дунёро бадин доду деҳаш маъмур дор.
[Мазлумлар додига ет, маҳрумлар ҳожатин чиқар,
Дунё олди-бердисини шу ол-бер билан обод қил].

Қосид номурод ўз лашкари сари етгач, нима янгилик ва эшитган сўзи бўлса, ул тойифанинг бошлиғи ва *мингбошиси* бўлмиш Бекмуҳаммад ибн Холмуҳаммад ибн Муҳаммад Назар Кўр ўғли ибн Санжар баҳодир *қипчоқ* хузурида оқизмай-томизмай арз қилди. *Қипчоқ* ва *қирғиз* улусининг бариси эзилиб-янчилиб бошқа чора топмай, ул манзилдан қайтдилар. Улар ҳар кун бир манзилда йиғилар ва бир-биридан маслаҳат излар, аммо бирон натижа чиқара олмасдилар. Бу каби гаплар билан илгари юрган кўйи Сайхун дарёси лабигача етиб, дарёдан ўтиб ... Турк ва Саройга тушдилар.

Энди бир неча дур сочувчи сўзни Султон Саидхон ибн Малла Баҳодирхондан эшитинг. *Қипчоқ* ва *қирғиз* вафосизлик қилиб, Хўқанди латифга кетган ўша куниси сартия одамлари замон хони билан бирга жаноб *амир лашкар*га вафодорлик қилганча Тошкандда қолдилар. Жаноб *амир лашкар*га ул халқнинг бевафолиги маълум бўлгач, дилдан бир совуқ оҳ тортиб, бор касали яна ҳам ортиб, дарди кучайди ва ўша куннинг намозгар пайти руҳининг қуши бадан қафаси торлигидан қутулиб, жаннат олами фазоси сари парвоз қилди ва жонни жон берувчига топшириб, шаҳидлик даражасига фоииз бўлди. **Назм:**

Дамид аз ажал мурғи руҳаш зи сар,
Зери кулоҳаш бар овард пар.
Зи боде ки берун шудаш аз димоғ,
Нишонид амну амонро чароғ.
Бар овард товус сирри уқоб,
Ниҳон шуд дар абри сияҳ офтоб.
Зи модар назод оне ки охир намурд,
Бахуд ҳеч наовард, чизе набурд.
Агар муддати Нух беш оядат,
Ба охир ҳамин кор пеш оядат.
Нарафт офтобе ба буржи камол,
Ки зи онжо наяфкандаш охир завол.

Ҳамон манзил аст ин биёбони дур,
Ки гум гашт дар ў лашкари Салму Тур.
Ҳамон манзил аст ин маъман работ,
Ки густарда онжо Фаридун бисот.
Ҳамон аст назди ту ин нав арўс,
Ки зад дар арўсияш Ковус кўс.
Ҳамон аст ин бар кашида равоқ,
Ки биншаст Дороаш дар зери тоқ.
Чунин аст расми он сарой санж,
Ки гоҳат деҳад тахту гоҳият ранж.
//320^a Дар ин ғорият дил набанди басы,
Ки ҳар рўз бошад ба дасти касе.
Арўси жаҳон асту но аъқид,
Аз он сушт паймон чи дори умед.
Бар он дилбаре дил набандад касе,
Ки ҳар дам бувад ғамгусори хасе.
Набини аз он шам жўз сўзад доғ,
Ки ҳар шаб бувад мажлисеро чароғ.
Надида касе то абад зиндаги,
Худойи жаҳонрост пояндаги.
Намонад ба кас ин жаҳон пойдор,
Худойи жаҳон аст бар якка қарор.
[Ажал учирди руҳи қушини бошидан,
Қулоҳи остидан чиқариб пар, қанот.
Димоғидан чиққан ел ўчирди,
Тинчлик-омонлик чироғини.
Кўрсатди товус бургут сирини,
Офтоб бекинди қора булут ичига.
Ўлмайдиган одам ҳали туғилмаган онадан,
Ўзи билан бирон нарса келтирган, олиб кетган ким бор?
Нўҳ умри кўп бўлса ҳам,
Барибир унинг бошига шу тушади.
Қуёш юқорлик буржиги чиқса-да,
Барибир қуйи иниб, ботади.
Бу узоқ биёбон Салим ва Тур лашкари йитган,
Ўша манзилдир.
Бу работ Фаридун кўрпа-тўшагини ёйган,
Ўша маскану маъводир.
Ҳалигача янги келинчакдир у,
Келинлигида Ковус ноқора чалган.
Бу қад кўтарган равоқ,
Шоҳ Доро ўтириб-туриб юрган айвондир.
Сарой эгасининг расми шунақа:
Гоҳ унда тахт беради, гоҳ ранж.
Бу бузуқ аёлга кўп ҳам кўнгил боғлама,
Ҳар кун бировнинг қўлида бўлади.
Жаҳон келинидир, никоҳга кирмаган,
Ул аҳду паймони бўшдан нима умид қиласан.
Ул дилбарга дил боғламагай ҳеч ким,
Ҳар дамда бировнинг қўйнида эркаланар.
Шамдан ёндирувчи доғдан бошқа нимани кўрасан,
Ҳар оқшом бошқа бир ўтиришга ёғду бағишлайди.
Ҳеч ким мангу умр кўрмаган,
Фақат жаҳонни яратувчига хосдир мангулик.
Ҳеч кимга вафо қилмас бу жаҳон,
Жаҳон худосидир бир ерда барқарор.

Амир лашкарнинг фарзандлари, ҳижоб ичидаги аёллари, тавобелари бу ҳолни мушоҳада қилгач, дилтангликда қайғуга ботиб, сабру қарор жиловини ихтиёр қўлидан бердилар ва сабрсизлик йўлини тутиб, давлат аркони ва шавкат аёнлари, сортя ва Тошканд мамлакатининг ақобиру ашрофи ва бошқа табақадаги катта-ю кичик, тожику турк ҳаммаси саросимавор азоб-изтироб кўплигидан чашмасор кўзларидан кўп дурга қон ёш томчиларини замонун турмуш юзи узра тўқдилар ва момоқалдиروق ва чакмоқ сингари оловли оҳ фиғонини жаҳон аро ёйдилар. **Назм:**

Зи ҳар сў нолаи фарёд бар хост,
Бар омад нолаву оҳ аз чапу рост.
Халойиқ жома бар тан чок карданд,
Зи дасти марг бар сар хок карданд.
Чу абр зи дида сели хун фишонданд,
Ба кайвон нолаву афгон расонданд.
[Ҳар томондан кўганди фарёду нола,
Ўнгу сўлдан оҳу дод эрди ҳавола.
Халойиқ йиртди эғнида кийимин,
Ўлимдан сочдилар бошга тупроқ.
Булутдек қон селини оқиздилар,
Нолаву афгонни Кайвонга етказдилар].

Ўша куни жаноб хон ва кўшиннинг барча амирлари ва фуқаро кийимларини алмаштириб, мотамнинг қора ва кўк хилъатларини эғнларига кийдилар. Аёллар ҳам ғамли юрак билан Мажнунга ўхшаб сочларини ёйиб ташлаб, пок заминнинг этак-этак хоқини бошлари узра сочдилар ва навбаҳор булуту каби кўзларидан қонли ёш томчиларини оқизиб, сағира ва кабираларнинг бариси шундай мунгли навҳа тортдиларки, фарёду зорлик овози ва беқарорлик ноласи зангори осмон авжидан ўтди.

Назм:

Ваҳ ки шера мардони кадр Жам фармон намонд,
Аз нигини ў нишон бар сафҳаи даврон намонд.
Онқи чун овозаи фавташ ба Руму Чин расид,
Шавкати Қайсар шикасту ҳашмати Хоқон намонд.
Дар фироқаш хуни дил аз чашми тар хоҳад рехт,
Мардумонро об чун дар дидаи гирён намонд.
Баски оҳу дуди мардум осмонро тийра сохт,
Равшани якзарра дар меҳру маҳе тобон намонд.
[Воҳким, Жамшид фармонли ул арслон кетди,
Қолдирмай узугидан давронда нишон кетди.
Ўлими овозаси Руму Чинга етган ул эранким,
Қайсар шавкатидан ўзган, гўё эди Хоқон, кетди.
Фироқида дил қони намли кўзлардан кўп оқиб,
Одамлар дийдасида сув қолмай равон кетди.
Халқнинг оҳ тутуни осмонни қора қилди,
Қуёш, ойда қолмай зарра ёғду чунон кетди].

Алқисса ул жамоатнинг дилни ёқувчи нолаву фарёдидан фойда чиқмагач ва бу илоҳий дардга ўзга ҳеч бир чора ярамагач, ниҳоят дунёнинг ялтироқ либосини *амир лашкар* эғнидан ечиб, охират либосини кийгиздилар. Давлат устунлари ва мулкат аёнлари //320^б машварат қуръасини ўртага ташлаб, мулло Алиқулининг жасадини бу пайтда қайси маконда тупроққа топшириш масаласида бошлари қотган кўйи ҳайрон бўлдилар. Ниҳоят, ўша маҳалда хослар ва ишончли кишилардан бир нечтаси маслаҳатни бир жойга қўйиб, ҳаммаси биргаликда жасадни ҳазрат Шайхховандтахурнинг – *гўрлари нурга тўлсин* – фоиз ил-анвор мазорига дафн қилдилар.

Дафн маросими тугагач, Мулло Алиқули руҳига тиловат ва такбир ўқидилар. Мулло Алиқули амири лашкарнинг таржимаи ҳоли: Хусайнбой ўғли, номи Ўтарчи, яъни байторчи, Андижон тавобесига қарашли *қирғиз-қипчоқ* қабиласидан. Ҳол бошида отаси Андижон шаҳрида илм таҳсили учун ўша замон *муҳтасибига* шогирдликка берган эди. Уч-тўрт йилдан сўнг ўша шаҳар муҳтасиби Мулло Алиқулини солиқ ундирувчилик ходими қилган эди. Худоёрхон ўз укаси шаҳид Маллахоннинг енгил ўйлаб қилган ишлари гуноҳидан ўтиб, Бухородан Хўқандга келтириб, амирлар қаторида маош ва вазифа тайин қилган вақтда мулло Алиқули Маллахон хизматида келиб, мулозимат ихтиёр қилди. Ўша замонда Маллахон иккинчи марта акаси Худоёрхонга қаршилик қилиб, Андижон тарафга кетди. Мулло Алиқули раҳнамолик қилиб Маллахонни *сусамир қирғизия* қабилаларининг

эйтиборли раиси бўлмиш Фўлодбий //321^a қирғиз олдиға етказди. Фитна ва фасод энағаси бўлмиш Фўлодбий Маллахоннинг қадамини катта давлат билиб, ўз қабилалари билан унинг хизматига бел боғлаб, Маллахон ва Фўлодбийнинг кўп сонли тўдалари билан Мулло Алиқулининг туғилган ери ва онасининг ватани бўлмиш ва унинг қавми ўтирган Қаросув тарафга бордилар. Ул навоҳида Алиқули қавми Маллахоннинг тобелиги остига кирдилар ва Алиқулини атрофдаги айрим тойифаларга элчилик тариқида юбориб, ўз тобелигига даъват қилдилар. Алиқули бу борада кўп сайъ-ҳаракат кўрсатиб, ул ён-теваракнинг кўпчилиги тойифа ва қавмларини Маллахонга ёрдам бериш ишига мойил қилиб, Маллахоннинг ҳузурига келтирди. Маллахон Фарғонанинг ҳукмронлик тахти ва фармонфармолигига чиққач, Алиқулини қилган хизматлар учун *эшик оғоси* мансаби билан сарафроз қилди. *Мир понсад*лик мансаби ҳам шунга илова қилиб берилди. Шундан сўнг Намангон навоҳилари ҳокими бўлиб, Ўратепа фатҳидан сўнг ўша ерда яхши хизматлар адо этгани учун Маллахон ҳукуматининг охирги кунларида Марғинон шахрининг волийси бўлди. Султон Саййидхон ҳукумати замонида Фарғона қўшинининг сипаҳсолорлик мансабига кўтарилган эди.

Қисқаси шуки, жаноб султон Саидхон бир ўзи салтанат ноқорасини ўз қадди қомати билан беаб, қанча сартия умароси бўлса, мамлакатни сақлаш қоида ва ишларини бажо келтириб, истиқомат палосини ёйиб ўтирдилар. Кундан-кунга кофирларнинг хужумлари ва ғалабаси зиёдалиқ қилиб, мусулмонларнинг эса умид юзи ҳеч ердан очилмасди. Ҳали кўрганимиздек, *қирғиз-қипчоқлар* эса мурувватсизликнинг машаққат тупроғини ўз юзларига сочиб, бадар кетгандилар.

Ноилож, ёрдам учун ул ҳезалакларнинг бошлиғи, хотинлар шоҳининг ясан-тусан қилган вакили, замоннинг эркакларини ўлдириб, урғочисини парвариш қилувчи, моякдор хотин, ой юришли ғозадор, кир ювгучи совун бибиси, қорни катта сассиқ ҳидли, тубанликда ўсган тикан, пасткашликнинг худо ургани, зафарсиз шоҳ Музаффар, яъни хатарга кон кулфатзада, дарбадарликда кеккайиб кекирган, //321^b Мир Ҳайдарнинг отага номуносиб ўғли амири Бухоронинг этагини маҳкам ушлаб, илтижони ҳаддан оширдилар ва орада устма-уст хат борди-келдиси амалга ошди. Ҳар гал сўзининг индиллоси Бухорога Тошканд шахрининг уламо ва оқсоқолларининг келиши борасида бўлиб, «келиб, бизни дуо қилсинлар» дер эди. Ҳаддан кўп илтижолар орқали эришилган бу таклифни ризолик билан қабул қилиб, шаҳарнинг бир нечта катталари ул фалокат маломатзадаси ҳузурига бориб, остона ўпиш шарафи билан амирнинг жони дуосига машғул бўлдилар. Булар келишгач, амир яна Тошкандга кетма-кет хат юбориб «Султон Саййид Муҳаммад ҳам келсин» деган фикрларни билдирди. Бу мушкул иш одамларга оғир ботиб, тошкандликларни қийин аҳволга солиб қўйди. Бир неча маслаҳатлар қилиб, умарову фуқаро бир-бирига «бориб ҳам ҳеч нарса рўй бермади, бормасак ҳам бошқа бирон чора топа олмаяпмиз» дедилар. Ниҳоят хон сафар асбобларини тайёрлаб, Тошканд юртини худога топшириб, Бухоро сари йўналди. Бир неча масофаларни босиб ўтиб, ул ҳезалак амир олдиға етишди. Ўзи уруш сари юрмагани юрмаган, хонни ҳам ёнида ушлаб, кетишга рухсат бермай, Тошканд мамлакатини эгасиз ва ҳимоячисиз қолдирди. **Байт:**

Жаҳони бе жаҳонбон тани бе сар аст,
Раҳе бе раҳраве хоки роҳ бар сар аст.
[Жаҳонбонсиз жаҳон бошсиз тан кабидир,
Йўловчисиз йўлнинг хоки бошга қўнар].

Алқисса, неча бир мусулмонлар қўл-оёқсиз қолиб, нима қилишни билмадилар ва ҳар бир фирқа ўзи билан ўзи бўлди. Бунинг устига Тошканд фуқаррлари гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб, хўқандликлардан илғор йўсини билан қўйиб кетилган бир неча минг сарбозни тунаб кетардилар. Бунақа можаролар доимо рўй бериб турарди.

Сафар ойининг тўртинчисида сешанба куни²¹⁰³ рус кофирлари қўшини субҳи содиқ пайти Камолон дарвозасига ёпирилиб, шаҳарга кирди. Хўқандлик сартдан илғор турган олти-етти нафар ўзини қалъа тешикларидан пастга ташлаб, ура қоча бошлади. Буларни кўрган ҳар бир гуруҳ ўзини дуч келган йўлга уриб, айримлари Чирчиқ дарёсига ғарқ бўлиб, баъзилари эса қутулганига шукр қилиб, бадар кетдилар. Тошканд халқи ўз ҳолича қолиб, икки кеча-ю, икки кундуз кофирларга қарши уруш қилишаркан, ниҳоят кофир аскарларини Баланд масжидгача сиқиб келдилар ва шу масжиднинг хонақоҳи ичига тикишга муваффақ бўлдилар. Шу зайл кофирларни бир кеча-кундуз шу ерда қамал қилиб турдилар. Сўнг хонақоҳга ён-атрофга ўт қўйишни режа қилдилар. Аммо кофирлар бунинг пайқаб, Эски Ўрда томонга қараб қочдилар ва шу ерда ўрнашиб олдилар. Шу қочишда йўл-йўлакай бир қанча маҳаллаларга ўт қўйдилар. Шаҳар тўс-тўполон ва ола-тасиру ғавғо ичида қолди. Шаҳар катталари ҳар тарафга одам югуртирдилар. //322^a Дарёга чўкаётган одам қўл-оёғини ҳар томонга уриб, жон ҳоври чалаётгани каби Бухоро подшоҳи ва бепарво *қипчоқларга* ёлвориб-ялиндилар. Лекин

²¹⁰³ 1865 йил 28 июнь.

хеч биридан заррача ёрдам ва фойда бўлмади. Ноилож кофирлар билан сулҳ тузиб, русларнинг қандай талаблари бўлса, кўниб, не шартлари бўлса, бажо келтириб, шаҳарда тинчлик ўрнатишга эришдилар.

Қипчоқларнинг Хўқанди латиф шахрида хон кўтаргани ҳамда Бухоро шоҳи ва Худоёрхон валинаъмининг Хўқандга келиб, хон валинаъмининг салтанат давлати тахтига ўтиргани зикри

Сўз гулистонининг чаман безовчи минг дoston булбули чаҳ-чаҳини муаллиф воқеалар тизимига териб, шундай ҳикоя қилади: Дарбадар қипчоқлар барча кўшини билан келиб, Сайхун дарёси бўйидаги Дехбасарой мавзесига кўш ташладилар ва қирғиз ва қипчоқ улуси катталари шаҳарга киришни маъқул кўрмай, бир неча кун ўшал мавзеда туриб қолдилар. Улар ҳар кун бир-бири билан маслаҳатлашиб, ниҳоят «мирваччани шаҳардан ташқари олиб чиқиб, хонлик салтанатига ўтказиб, сўнг шаҳарга кирамиз» деган қарорга келдилар. Бу гап барча катта-кичикка бир хил маъқул тушиб, Худойқулибек ибн Мақсудбек²¹⁰⁴нинг кўшниси ва маҳалладоши бўлмиш Яқиф мирзо ибн Норқўзи додхоҳ қирғизни шаҳарга юбордилар. У худди шиширилган пуфак каби шаҳарга кириб, қадимий аслзода бекваччалардан бўлмиш ва ўн олти ёки ўн етти ёшга етиб-етмаган, ҳали лаби устига мишкин рангли майса униб чиқмаган, юзи гўзаллиги Юсуфи садикдан қолишмаган Худойқулибек ибн Мақсудбек ибн Бекбўтабек ибн Сулаймонбек ибн Шодибекни шаҳардан олиб чиқиб, мазкур мавзегга етказдилар. Тамоми халқ ул малоҳатли юзни кўргач, барчаси йигитга ошиқи шайдо бўлиб, биргаликда иттифоқ билан 1282 йил муҳаррам ойининг бешинчиси, душанба куни²¹⁰⁵ хонлик салтанатига ўтказиб, шоҳлик давлатининг саодатига етказдилар ва шариф, қуйи табақа кишилари, бой ва камбағалнинг бариси табриклар учун қўлни дуога очиб, баракатли фотиҳа билан яхши тилаклар тилаган кўйи шоду хуррам қилдилар.

Табрик ва қутловдан сўнг шаҳар сари юзланиб, давлат устунлари ва салтанат аёнлари барчаси тўп-тўп, байрақ-байрақ бўлиб, қаторлашиб шаҳарга кириб, султонлик Ўрдасида қарор ва ором топдилар. Жаноб хон султонлик тахтида ўрнашгач, Бекмуҳаммад қипчоқни //322^б мингбошилик билан сарафроз қилиб, Мирзо Аҳмадга дастурхончилик мансабини берди. Шу гап-сўзлар бўлиб турган вақт оралиғида қирғизия ва қипчоқия аҳли ўн тўрт кун давомида Ўрда ичида ўтириб, аммо душанба оқшоми, яъни келганининг ўн бешинчи куниси фуқародан кўнгилларига ҳадик ва кўркув тушиб, шу хавфсираган кўйи тўсатдан ва подшоҳликнинг шунчалик асбоб-ускунасини ҳам ташлаб, шаҳардан бир фарсахча ерга қочиб чиқиб кетдилар. Бир ушлаб, сўнг қайтадан кўйиб юборадиган бундайларга мангу давлат этаги ва умид ёқаси ҳайфдир. Бу хабар айрим бебош авбош кишилар қулоғига етиб, кечалари писиб келиб, Ўрдага кирган кўйи ичкаридаги нарсаларни шип-шийдон қилиб, қўлига нима тушса, ўмариб кетишибди. Бу ишни пайқаб қолган шаҳар катталари ул кишиларни тафтиш ва таҳқиқ қилиб, кейинги ўғирланган нарсаларни қайтариб олишга улгуришди, аммо олдинги кетганлари қўлдан чиққанча топилмай қолди. Шаҳар фуқаролари ва замон уламолари қипчоқлар ҳолидан хабар топиб, тўп-тўп, гуруҳ-гуруҳ бўлиб чиқиб, уларнинг ҳол-аҳволини сўрашар ва кўнгилни кўтариб, шаҳарга таклиф қилган кўйи меҳрибонлик кўрсатишарди. Аммо ул ҳамиятсизларда шаҳарга киришга дил ва ўпка йўқ эди ва Ғамоил даҳаси мавзесини ўз қароргоҳ ва оромгоҳи қилиб, шу ерда анча вақт ўрнашиб турдилар. Фуқаро бошига бир лак тилло солиқ солиб, ундириб ҳам олдилар. Шаҳар фуқаролар ул халқнинг шундай қикликларига сабр қилиб уларга қандай дастёрлик керак бўлса ёрдам берардилар. Бундай воқеа бир неча кун давомида шаҳар билан сахро орасида бўлиб ўтиб, орадаги нафрат кучая борди. **Байт:**

Масал зананд ки гумроҳро яке пурсид:

Туро чи ном? Гумроҳ гуфт: ман раҳбар.

[Масал бор: бири йўл йўқотгандан сўради:

Исминг нима? Гумроҳ деди: Исмин Раҳбар!]

Қипчоқларнинг бундай аҳмоқларча ишлари ва безовта аҳволлари бора-бора жаноб Худоёрхон валинаъмининг ҳуш қулоғига эшитила бошлади. Жаноб валинаъми бўлиб ўтаётган воқеалар ҳақида кетма-кет келаётган хабар баёнини Бухоро подшоҳи амир Музаффарга етказиб турди. Ўша чоғда жаноб амир Ўрусга элчи юбормоқчи бўлиб турган бўлиб, Хўқандга келишни баҳона қилиб, Хўжа Нажмиддин деган бухороликни Ўрусга элчи қилиб, жуда кўп тухфа ва ҳадялар ва бир манглусий фил

²¹⁰⁴ Худойқулибек ибн Мақсудбек ибн Бекбўтабек ибн Сулаймонбек ибн Шодибек

²¹⁰⁵ 1262 йил 31 май.

ва қанчалар амир Темурий васиқаларни унинг қўлига бериб, Петербург вилоятига Ўрус оқподшоси хузурига юбориб, //323^a ўзи катта қўшин тўплаб, Бухородан йўлга тушди. Анча манзилларни босиб ўтгач, Жиззахга келиб тушди. У ерда бир ўрус бойи Бухорога савдогарлик баҳонасида саккиз юз туя қимматбаҳо мато ва бир неча туяда тилло ва кумуш сўм танга келтириб, истиқомат қилиб ўтирган экан, ўшани чақириб номуносиб ҳайбат ва бемулойим шиддат билан унга хат тутқазиб, ўша ердан Тошканд томонга ўрус генерали хузурига юборди. Ўзи эса жаноб Саййид Муҳаммад Худоёрхон баҳодир валинаъмини ўз юришига баҳона қилиб ёнига солганча Хўқанди латиф сари юзланиб, Хўжандга етиб келди ва шу ерга қўш ташлаб, қарор ва ором олди. Жаноб валинаъмидан кўнгли тўқ бўлгани учун қўшинга сардор қилиб Хўқанди латиф томонга юборди. Жаноб валинаъми ва Оллоҳёр *фармончи* ва Яқуббек ғулом ва Самарқанд ҳокими Шерали ғулом сон-саноксиз лашкар билан Хўқанди латиф сари йўналиб, йўлга равона бўлдилар. *Қипчоқ*лар уларга қарши курашишга ўзларида имкон ва бардош топмагач, қалъа атрофи тавофини ҳалқавор зиёрат қилиб, якшанба куни Муъйи муборак боғига келиб тушдилар. Ўша кечасини бир бало қилиб ўтқазиб, душанба куни лашкарнинг келиши яқинлашганини билиб, пешин намози вақтида Марғилон йўли сари йўналган кўйи чиқиб, бадар кетдилар. Сешанбага ўтар кечаси ярим тунда манғит лашкарининг муқаддимаси жангу урушсиз Хўқанди латифга кириб келди. Сешанба тонгида эса барча лашкар шаҳарга кириб, пешин вақтигача дам олдилар. Подшоҳ хузурига устма-уст ва кетма-кет равишда хушхабар юбордилар ва подшоҳ ҳам кўнгли тўқ ҳолатда ўз қадди-қоматини тўғирлаб, пайшанба куни 1282 йилнинг йигирманчи сафар ойида²¹⁰⁶ шаҳарга келиб тушди. Аммо ул золимнинг бебош авбош кишилари шаҳар атрофидаги аҳолини талаб ва яғмога учратиб, қайтиб кетдилар. Подшоҳнинг ўзи эса бироз вақт Хўқандда дам олиб, Оллоҳёрбек манғитни лашкар сардори қилиб, кўп лашкар билан *қирғиз-қипчоқ* орқасидан юбориб, равона бўлдилар. Ҳар икки лашкар бир-бирига //323^b яқин қувлаб-қочиб бормоқда эди. Аммо *қипчоқ* лашкари Модийга бориб, истиқомат палосини тўшаган кўйи қарор ва ором олди. Аллоҳёрбек манғит лашкари билан Аробон қалъасига тушиб, эртаси куни тонг билан аъзам ховар жанг тошқинини томоша қилиш учун фарҳанг малики буйруғига биноан бошини харчанг даричасидан ташқари чиқариб, оламни равшан ва мунаввар қилгач, *қипчоқ* ва *қирғиз* кишиларидан олти юз нафарга яқини ажралиб чиқиб ва Юсуфбой мирзо *қипчоқ* ва Элтаркуб баҳодир ва Хол *понсад қирғиз* ул қавмга сардор ва раҳбар бўлиб, Очи мавзесида *манғит*нинг йўлини тор қилиб тўсиб чиқдилар. Тарафлар бир-бири билан тўқнашиб, урушга тушиб кетдилар. Фалак томошабинлари шермардларнинг биллагига таҳсин айтардилар. Гоҳи *қипчоқ*лар душманни олдига солиб қувлаб, Гулбахор майдони сахнидан то Арабон мавзесигача келтирса, гоҳи бир неча минг манғит кучлилик қилиб, жангоҳ майдонига етказардилар. Тарафлар шу каби жанглар билан неча бор олд-орқага бориб-келиб турдилар. Ул бечораларга Бекмуҳаммад ҳездан мадад келмагач, манғитнинг кўплиги бора-бора кучлилик ва зиёдалик қилиб, ўн-ўн беш минг одам *қипчоқ*ларнинг атрофини ўраб олиб, тор-танг жойда жангга киришдилар. Тонгдан оқшомгача қанча саъй-ҳаракат қилсалар-да фойдаси бўлмади. Ниҳоят одам камлигидан *қипчоқ*ларнинг дўпписи тор келиб, сардорлардан Хол *понсад қирғиз* ва Юсуфбой Мирзо ва Элтаркуб *қипчоқ* билан бирга ул қавмдан бир неча одамлар қўлга тушиб, қолганлари лашкар орасидан ёриб чиқиб, бадар кетдилар. **Назм:**

Ҳар кордор кард сару пойи хеш кард,
То бар жаҳон муҳит шави, ҳамчу доира.
Хоҳи ки муштаал нашавад оташи фузули,
Машғул шав нахуст ба атфои нойира.
[Қайси иш билармон қилса, ўзига қилди,
Жаҳонни доирадек ўз ичинга олмоқчи бўлса.
Фазл олови шўъла олмасдан олдин,
Сен аввал унинг илдизини топгин].

Алқисса *манғит*лар қўли баланд келди ва ул асирларни подшоҳ хузурига юбориб, Оллоҳёр *фармончининг* ўзи Ўш томонга юриб, Модий мавзесига етиб, қарор олди. *Қипчоқ* лашкари Гулшаҳга кетиб, ором олдилар. Томонлар бироз муддат бир-бири билан тўқнашмай, дам олиб ётдилар. Можаро орқага сурилгач, Оллоҳёр манғит қайтиб, Марғилонга келиб тушди. *Қипчоқ*лар ҳам бир-бири кетидан етиб, Арабонга келиб, ўша ерда турдилар.

Ярамас ва маккор *манғит*лар //324^a урушдан чарчаб, ўз подшоҳига кетма-кет арзадошт юбордилар ва маслаҳат қоидасича бошқа чора топмай, шундай дейишди: Майли, биз бу ерда қоладиган бўлсак, қоламиз. Чунки ор-номусни ўзимизга касб қилиб келганмиз. Аммо бу ер Худоёрхон султоннинг мулкидир. Шунга қарамай бу ерга *қирғиз* ва *қипчоқ*ни йўқ қилишга ёрдам

²¹⁰⁶ 1865 йил 14 июль.

бериш мақсадида келиб, жанг қилдик. Энди эса хоннинг ўзини бир неча минг бухоролик ва хўқандлик лашкар билан бирга давлатхоҳ ва тузини еганларидан ёнига қўшиб, рухсатингиз билан душмани томонга равона қилинг.

Жаноб хон валинаъми султонлик давлати билан қарор ва ором олди. Сўнг ўз ишларини саранжомлаб, яхши бир соатда ва иқбол ёрмандлигида юзини йўл сари қаратиб, салтанат равиши билан шаҳару саҳродан ўтиб ва манзилларни орқада қолдириб, мақсад-манзил томон юрди. Султонлик давлати қадамнинг муқадимаси ул қочоқларнинг ҳуш қулоғига етгач, қарши жанг қилишга ўзида тоқат кўрмай, қочиш йўлини ўзларига ғанимат билиб, Кошғар вилояти томонга бадар кетдилар. **Байт:**

Макаш сар зи пастий зи овози об,
Тараққий ба қадри танзил кашад.
[Сув овозидан бошингни эгилма,
«Фаввора қанча юқори кўтарилса ҳам оқибат пастга тушар»].

Жаноб султоний ул бахти қаролар кетидан Тирак тепалигига бориб, қанчалар асир ва ўттиз дона уруш тўпи ва подшоҳий асбобу усқунани қўлга киритиб, тўла улуғворлик билан орқага қайтди. Йигирма иккинчи раби ус-сонийда Хўқанди латифга етдилар ва Бухоро амирини тўла обрўмандлик билан кўриб, давлат тахтида қарор топдилар. Ўша душанба куни Бухоро амираи шаҳар ўрдасидан кўчиб, ҳазрат Муйи муборак боғига тушди. Қанча тўпу туфанг, қурол-яроқ, қолину гилам каби подшоҳлик асбоб-усқунасидан бирор нарса қолдирмай ва халқнинг уч юз-тўрт юз хотину қизларини ҳам олиб, вилоят фалокатини ўзи билан кўтариб, сешанба куни субҳи козибда Бухоро томонга бадар кетдилар. **Назм:**

Ба фардо намон кори имрўзро,
Бари хеш манишон бад омўзро.
Мазан рое жуз бо хирадманд мард,
Аз ойини шоҳони пешин магард.
Ҳама гўшро сўи дарвеш дор,
Зи ғами корашон чун ғами хеш дор.
[Бугунги ишни эртага қолдирма,
Ёмон қилиқлини ёнингга ўтқизма.
Ақлдан бошқага фикрингни айтма,
Олдинги шоҳлар қоидасидан чиқма.
Қулоғингни бечоралар ҳоли томон тут,
Улар ғамини ўз ғаминг каби бил].

Жаноб хон валинаъми эски ғамларни кўнглидан аритган кўйи султонлик давлати суянчиғига мустақил равишда ястанди. Бадбахт //324^б қирғиз-қипчоқ эса айём кулфатидан Кошғар вилояти ҳокими Якуббек *оталиқ* ҳузурига бориб қарор тутдилар. Уларнинг мамлакат бўйлаб тарқалиб кетган бошқалари эса ўз қабилалари сардорлари бошчилигида, чунончи, Абдурахмон²¹⁰⁷ *офтобачи* ўз уруғига, Муҳаммадёр *қўшбегининг* ўғли ўз қабиласига, Карим *дастурхончининг* ўғли ўз аймақига, Тошқаро ўз тобеларига, Саримсоқ *додхоқ қирғиз* ўз лашкарига бош бўлиб бориб, фирқа-фирқа ва тўп-тўп бўлган кўйи хон ҳазратнинг узангисини ўпиб, ўз тортуқ ва пешкашини назардан ўтказдилар. Жаноб валинаъми ҳар бирининг мартабасига яраша кўп инъомлар ва турли-туман неъматлар бериб, уларнинг айбларини марҳамат суви билан ювдилар²¹⁰⁸. **Байт:**

²¹⁰⁷ Абдурахмон офтобачи – Мусулмонқули ўғли. 1865-1875 йиллари Худоёрхонга офтобачи бўлиб хазмат қилган. 1888 йили Қўқонда вафот этган. 1876 йили босқинчиларга таслим бўлишидан сўнгра Екатеринославга (1881 йилгача) сурғун қилинди. Вафотигача Архангельскда Россия давлатидан йилига 3000 тила рубл нафақа олиб яшаган.

²¹⁰⁸ “Тарихи жадидаи Тошканд”даги иловаси маълумотига қараганда “Мулло Алиқули амирлашкар шахидлигидан сўнгра Фарғона ва Тошканд лашкари ўртасида фаторат тушди. Ҳукумат Русия ва насрония қўлига ўтди. Аксар ва аглаб садорат ва нақобат, шайх ал-ислом ва қозийлар, қабила бошлиқлари ва авулар саркардалари... Қошғар билодига даҳолат қадамларини қўйдилар (135^{а,б}). Булар қози Зиёвуддин маҳдум қози Мирзо Раҳимжон Тошкандий ўғли, Мулло Муҳаммадюнусжон шиғовул мирзобоший Тошкандий – Тоиб (кейинчалик Ёрканд ҳокими, шоир ва тарихчи), Фарғонадан Бузургхон тўра ибн Жаҳонгир тўра, Кичкинаҳон тўра, Ҳакимхон тўра ибн Бобожон тўра (Ёқуббек Бадавлатдан кейин Қошғар ҳокими), Мирзо Аҳмад қўшбеги, Муҳаммадназар қўшбеги, Ҳакимбек шиғовул, Хўжабек ҳудайчи, Эшон Тошхўжа судур Тошкандий (Маллахон даврида элчи бўлиб Британия Ҳиндистонига элчи бўлиб борган. 1865-1869 йиллари Яқуббек хизматида бўлган), Нишонбой Мирзо Ўтамбой қўшбеги қипчоқ ўғли, Муҳаммаддиёр Нормухаммад қўшбеги қипчоқ ўғли, Шермуҳаммад Мулло Алиқули ўғли, Қўш парвоначи қипчоқ, Бухородан Мирзо Камолиддин дафтардор, вазир ҳазрат Хўжа Аҳрори Валий авлодидан Убайдуллоҳ Тошкандий (“Хулосат ал-аҳвол” муаллифи), Эшон Мусохон тўра ибн Саййидхон тўра мутаваллий, Жомадор тўпчибоши, Хайрмуҳаммад афғон ёвар ва бошқалар бўлган. Тарихи жадидаи Тошканд. 135^{а,б} вар.). Булардан ташқари яна Ҳамдам ботурбоши, Туробхўжа ясовул, Абдуллоҳ понасад, Ғозибек понасад, Муҳаммадқули шиғовул, Хўжа

Дарахти дустий биншон ки коми дил ба бор орад,
Ниҳоли душманий баркан ки ранжи бешумор орад.
[Дўстлик дарахтини ўтқаз, дил мақсади ҳосилини берур,
Душманлик ниҳолин қўпор, чунки чексиз ранжлар берур].

Шу аснода, бир неча кун мобайнида ул номсиз халқдан ким қаерда бўлса келиб, султонлик илтифотидан сероб бўлиб, мартаба топиб юрган кунларининг бир оқшомиси *қирғиз* ва *қипчоқлар* бирига айрим сўзларни айтиб, ўз-ўзидан бир-бирининг ана шу ростми, ёлғонми ҳадиклари асосида бир нечтаси эски жой ва макони томонга қочиб, бадар кетдилар. Хусусан, Муҳаммад Аюббий *амир лашкар*нинг синглисининг ўғли Чимён томонга қочиб, тоғма-тоғ икки юз-уч юз нафар *қирғизни* ёнига солиб, Ўш вилоятига бориб кирди. Айни чоғда хон ҳазратнинг она бошқа, ота бир укаси ва бир неча вақт Марғилон ва Ўш ҳокими бўлган жаноб Султон Муродбек анча вақтдан бери Ўшга бориб, атроф-теваракдаги элатларнинг закотини олиб, ўша ерда ўтирган эди. Ҳеч иккиланмай ул жанобнинг хузурига бориб, отда турганча амирзода ўтирган жойга кириб бориб, шошилинич суратда «Турсангизчи, акангизни ўлдиришди ва Сизни унинг ўрнига хон қилишди, мени эса хузурингизга Сизни олиб келишим учун юбордилар» деди. Амирзода яхши сўзлар билан ул аҳмакни олдиға туширди ва *қирғиз-қипчоқнинг* бир нечта катталарини чорлаб, ул бесаранжом жамоатни ҳам отдан тушириб, бир ерда ўтқазиб қўйдилар. **Байт:**

Жоҳил накунад кор ба қавли оқил,
Ҳаргиз нашавад ба ҳийла мудаббир, муқбил.
[Жоҳил ақликнинг гапига екириб иш тутмас,
Ҳийла билан сира қобил, тадбиркор бўла олмас].

Сўнг дарҳол бир елдек учар моҳир чавандозни топиб, //325^a хон ҳазратдан хабар олиш учун тезликда йўлга равона қилишди. Ул хуш юрувчи киши кеча-ю кундузни бир қилиб хон ҳазрат хузурига етиб, хоннинг соғлигини ўз кўзи билан кўриб ва амирзода номига битилган иноятномани олганча қайтаркан ул елдек учар югурувчи юрган сайин суръатни тезлаштириб, оз фурсатда амирзода хузурига етишиб, нима гап бўлса ул жанобнинг арзига етказди. Барча катта-кичикка ҳалигининг ёлғончилиги ойдин ва маълум бўлиб, барча бу аҳмоқнинг шу қилган номуносиб ишидан дарғазаб бўлиб, унинг қатли ҳукмига рози бўлдилар. **Рубоий:**

Бишнава ба иродат сухани пири куҳан,
То кори жаҳонро бидони сару дун.
Хоҳи ки касро нарасад бар ту сухан,
Ту худ бингар то чи на некўст макун.
[Кекса пирнинг сўзини эътиқод билан эшит,
Жаҳоннинг паст-баланд ишини билмоқ эсанг.
Бировдан гап эшитишни истамасанг, ўзинг,
Қара, нима яхши-ю, нима ёмон, ёмонин қилма].

Алқисса, унинг жазоси учун орқасидан қазо оёғи етишиб, олий фармойишга биноан Марғинонга келтириб қатлга еткардилар. **Назм:**

Набошад писандидаи шаръи ақл,
Ки бе суннияи шоҳ фармон дихад.
Ки ҳамчун қазои қадар ҳукми ў,
Гаҳи жон ситонад, гаҳе жон дихад.
[Ақлга ёқимсиз иш бўлса,
Шоҳ ижозатисиз фармон берар.
Унинг ҳукми худди қазои қадар ҳукмидек,
Гоҳ жон олар, гоҳ эса жон бағишлар].

Яна шу жумладан Саримсоқ *додхоҳ қирғиз* воқеаси рўй бериб, у Намангон устига ёпирилиб келганди. Жаноб хон валинаъми Намангон ва Косон ҳокимини лашкари билан бирга унинг орқасидан юборди. Аммо ул кишиларга етгач, ҳеч бир ишнинг уддасидан чиқа олмадилар. Саримсоқ *додхоҳ* соғ-саломат Чатқал мавзесига ўтиб, бадар кетди.

Бошқалар эса хоннинг марҳамат номаси билан тавба ва кечирим сўраб, хон хузурига югурдилар. Аммо Тошқарой *қипчоқ* ўрус кофирига қўшилди.

Модомики гап шу ерга етган экан, энди бир неча сўз ул қочоқлар воқеаси ва ҳолоти баёнида қаламга олиниб, ёзув тизимида тортилади. Бу муфассал сўзнинг қисқача баёни шуким, *қипчоқлар*

калон ҳудайчи ва б. (300 га яқин киши) Шарқий Туркистонга кетган. Яъқуббек жади оғи 1281/22 декабр 1864 ёки 21 январ 1865 йили Қашғарга кетган.

Худойқулихон билан бирга қипчоқия, қирғизия ва сортия халқидан уч-тўрт минг киши билан кўп жамоат бўлиб Якуббек ҳузурига Кошғар вилоятига етишгач, тадбиркор Якуббек уларнинг келганини қутлаб, иззат-икром билан шаҳарга олиб кирди ва ҳар бирига улуфа ва нафақа тайин қилиб, мартабаларига яраша қимматбаҳо либослар кийгизиб сийлади. **Байт:**

Дўстонро субҳи давлат аз фалак бинамуд рўй,
 Душманонро шоми накбат аз жаҳон бар кард сар.
 [Дўстларга давлат тонги фалакдан кўрсатди жамол,
 Душманларга бадбахтлик шоми жаҳон аро юзланди].

Орада шу бир неча кунни сурур //325^б ва йўл чарчоғини ўйин-кулги қилган кўйи айшу ишрат билан ўтказдилар. Шу ҳолат осойишида Якуббек ҳузурига Ёрканд томондан хабар етишдики, Кучоҳ беки Оқсу вилояти ҳокими билан бирга катта йиғноқ ва тарғоний, шахрий, сахройи, дулоний табақаларини кўп кишиси билан Ёрканд устига келдилар. Ёрканд халқи ҳам уларга ёрдам учун қўшилиб, олти юз мингга яқин кишилик қўшиннинг Тев (?) устига келиш нияти бор. Бу хабарни эшитган заҳоти Якуббек ҳам лашкар йиғишга тушиб, оз фурсатда кўп одам йиғиб, Ёрканд томонга юрди. Бир неча масофани босиб ўтгач, Қизил мавзсида бир-бирига дуч ва рўпара келиб, бир-бири билан жангга киришдилар. Анча уруш-савашдан сўнг зафар насими Ёрканд халқи ва Кучоҳ томон эсиб, Якуббекнинг лашкари юзини тарқалиш сари қаратди. Якуббекнинг ўзи қирқ-эллик нафар кишиси билан душман орқасига ўтиб, ул қавмга кетма-кет ҳамлалар қилиб, мардоналик қилишга киришди ва душманнинг тоқати ул ҳамлаларга тоб келтирмай, Банот ун-наъшдек бир-биридан ажралиб кетдилар. Ҳарчанд душман ясовуллари ул одамлар олдини олсалар ҳам бу эзилиб-янчилганларни орқага қайтаришнинг иложи бўлмади. Лашкарнинг олд қисмини тўхта олишмагач, қолганлари ҳам бузилиб, дуч келган томонга қараб қочдилар. **Байт:**

Пароканда лашкар наояд ба кор,
 Ду сад марди жанг беҳ аз сад ҳазор.
 [Тарқоқ лашкардан иш чиқмайди,
 Икки юз жангчи юз минг кишидан яхшироқ].

Тадбиркор Якуббек эса фатҳу феруз билан зафар топиб, беҳад мол ўлжа олиб ва бир минг икки юз нафар турғонликни аслаҳа ва яроғи билан бирга қўлга туширди ва тўла улуғворлик билан Кошғар тарафга қараб кетиб, давлати марказига бориб қўш ташладилар.

Байт:

Саодаташ ба ҳамин гуна рўбаруи замин,
 Зи хибравон бистонанд ба бандагон бахшанд
 [Бахт-саодати берса ана шу каби осон бўлади,
 Тадбиркордан олиб, қулларга берадилар].

Якуббек Ёрканд устидан қайтганда турғонликдан етти юзи нафари сулҳга қасам ичиб, ўша ерда қолган эдилар. Ёрканд фуқаролари ҳам шундай сулҳ ва яраш билан ўзини хавфдан холи қилдилар. Бу омонлик тилаб қутулган касофат урганлар кашмирий, бадахший, болиший, шуғноний, турфоний, ёркандий сингари бир нечта тойифа ва уруғ эдилар. // 326^а Ҳаммаси бевафолик дамани уриб, шикоят ва муҳолифатдан сўзлар эдилар. Ул халқнинг номуродлик ашъори ҳижо тариқасида Якуббекнинг ҳуш қулоғига танбур тараннуми суратида эшитиларди. Шу важҳдан дил қоралигини кудурат йўлига суртиб, тараннум сози торларини узиб, бошқа мақом йўлига солиб юборди. **Байт:**

Зарат гар нест хомўш бош, ҳарфат бе асар гардад,
 Ки овози тараннум аз раги сим аст қонунро.
 [Олтининг бўлмаса, жим бўл, сўзининг таъсири бўлмайди,
 Қонуннинг тараннум овози сим томиридан чиқади-да].

Яъни ул кудуратбахш халқ қонунининг бемаҳал навозишидан барининг диллари ойнасини занг босиб, бу кўр ғофилларнинг ана шу зангини шамшир сайқалининг кул сочувчилиги билан тоза ва мусаффо қилмоқчи бўлди ва шу мустаҳкам хаёл билан номдор амирларга воқеа баёнини маслаҳат тариқасида «ишларингизда бир-бирингиз билан маслаҳатлашинг»²¹⁰⁹ маъносини ўртага солди. Барча бу ишга мувофиқат қилиб, Ёркандга қўшин тортиш ўйида тайёргарлик тараддудига тушдилар. Уруш сулҳ билан бир минг икки юз турфоний Якуббек хизматида Кошғарга келган эди. Кошғар лашкари ва қипчоқ кишилари ул тарафга ирода қилиб, йўлга тушган кўйи анча манзилларни босиб ўтгач, Ёрканд вилояти яқинига етишиб, ўша куннинг эртасига шаҳарга кирамиз дея шу ерга қўш ташлаб турганлари асносида Якуббек билан бирга келган ташқаридаги турфонийлар ичкаридаги турфонийларга хат

²¹⁰⁹ Қуръони карим, 3:159.

йўллаб, у томондан ҳам жавоб хати келиб, айнан шу кечани тайин қилиб, ярим тунда Ёрканд ичидан неча бир турфоний чиқиб, ташқи турфонийга келиб қўшилиб, Якуббек лашкарига шабохун ҳамласини уюштирдилар ва бир зумда шунча кўп сонли қўшинни тарқатиб юбордилар. Якуббек эса ўша қоронғу тунда от ва шамширини ўзи билан олиб, дарҳол ўзини чеккага тортган кўйи ўз одамлари олдидаги йўлни тўсиб турди. Қочганлар қанчаси бу манзилга етишса, шунчасини Якуббек ёнида ушлаб қолиб, бир неча юзга яқин уруш одамини ўзига ҳамроҳ ва рафиқ қилишга эришди. **Байт:**

Ҳар чи бо мо мекуни,
Имрўз бар мо бигзарад.
Дилро раҳме бикун моро,
Ғам фардои туст.
[Бизга нима қилмоқчи бўлсанг,
Бугун бир бало қилармиз.
Аммо дилимизга раҳм қил,
Ғам сенинг эртангдир].

Турфоний халқи ўз ишига таҳсин ва офарин айтиб, кўнгилларини тўқ тутган ҳолда ўлиб ётган одамларнинг сочилиб ётган нарсаларини ўлжа олиш ишига тушиб, барча ёқни тинтиш билан машғул бўлдилар. Довюррак Якуббек эса ул фурсатни ғанимат билиб, субҳи содиққа яқин ва уфқ ёруғида Аллоҳга таваккал қилганча ул қавм томон босиб бориб, шундай чопқин қилдиларки, ул халқнинг конини шудгор ерга қип-қизил қилиб тўкиб, майдон саҳнини лолазар чаманига айлантирдилар. Ул қавмга сира раҳм қилмай Ёрканд қалъаси дарвозасигача чопқилиб, ўлдириб бордилар. Ул тоифанинг қолганлари эса // 326^б ўзини Хитойнинг Гулбоғ қалъаси ичига урган кўйи бекиниб олдилар. **Байт:**

Ҳар чи хост казо даст дод,
Раст равон тухми умиде, ки кошт.
[Қазо-тақдир нимани истаган бўлса, рўй берди,
Эккан умид уруғи тўппа-тўғри униб чиқди.

Якуббек икки ой давомида, балки кўпроқ вақт мобайнида ул мардумни қамал қилиб, Гулбоғни фатҳ этишига оз қолиб турганда, ана шундай фурсат учун баҳона ахтариб юрган қипчоқлар қавмининг сардори Бекмуҳаммад қипчоқ ношуд ва қўлидан иш келмас Бузрукхон тўра²¹¹⁰ни олиб келиб, Кошғар қалъаси қамалига киришди. Бу сўзнинг энг боши эса қуйидагича: Бузрукхон тўра ибн Жаҳонгир тўрани Сиддиқбек қирғиз-қипчоқ кошғарлик хўжапараст аҳоли истиҳоласи юзасидан *амир лашкар* мулло Алиқули ёрдамида Кошғарга чақириб олган эди. Олимқули амири лашкар бу хўжани журъатсизлик каби хислатлари сабабли осонгина Сиддиқбек қирғиз-қипчоққа топширган ва унга қўшиб, оламнинг энг бадбахт кишилари бўлмиш Якуббек, Муҳаммадқули *офтобачи*, Мир бобо *ясовулбоши* ва бошқа бир нечани ҳам Кошғарга жўнатган эди. Бу йиғиннинг бариси Кошғарга етиб келгач, Сиддиқбек аҳмақ мазкур Бузрукхон тўра ибн Жаҳонгирни Кошғар салтанати тахтига ўтқазиб, ўзи вазирлик мансабида хизмат камарини белига боғлаб турди. **Байт:**

Ин дағал дўстон ки мебини,
Магасонанд гирди ширини.
[Бу ярамас дўстларни кўрмаяпсанми,
Ширинликка кўнган пашшалардек].

Хўқандлик мусофирлар учун ҳар қайсига бир турар жой топиб бериб, бирор амалга тайин қилишгач, бу келгандилар Ўрда ичинини тўла эгаллаб олдилар. Неча вақт шу зайл давлат ишларини қўлга олиб, бир-бири билан иттифоқликда юрт сўраб ўтирдилар. Аммо нима учундир бундан кўп ўтмай ва Сиддиқбек давлати жонларига тегиб, тарафлар орасига оғзи олачилик тушди. **Байт:**

Чу аҳд карди аз рўйи жаҳл бишкасти,
Чи ҳосил аз туву аҳди шикаста-бастаи ту.
[Қилган аҳдингни жаҳолат юзасидан бузсанг,
Сену қилган ва бузган аҳдингдан не фойда].

Ниҳоят ҳар бирининг биллак зўри бир-бирининг ёқасидан олувчи бўлиб, Якуббекнинг тасаллут қўли диловарлик панжаси кучанишидан баланд келиб, ҳукумат ихтиёри жиловини Сиддиқбек қирғиз қўлидан тортиб олиб, ўз қўлида мужассам қилди. Якуббек давлатининг қудрат олови аланга олиб, шиддати кундан-кунга кучайган сайин қирғиз-қипчоқнинг оёғига меҳнат тикани кириб, эзилиб-янчилиш сари юз тутдилар. Шу аснода тахт тепасидаги жаноб Бузрукхон тўра ўзини бутунлай эркин

²¹¹⁰ Бузрукхон тўра (1824-1877) – Жаҳонгирхон тўра ибн Солиххон тўра ибн Саййид Оффокхўжа ўғли. Қошғарнинг қўғирчоқ хукмдори (1865-1867). 1867 йили ҳаж сафаридан кейин Кашмир, Панжоб ва Бухорода бўлиб, Қўқон яқинидаги Кинагез қишлоғига келиб яшаган.

сеза бошлади ва қўлидаги давлатнинг абадийлик ўйига чўмиб, ҳукуматнинг барча савол-жавоб ташвишларидан қутулганча давлатнинг ҳеч бир юмуши билан иши бўлмай қолди. Аниқроғи, отасининг ёмон қилиқларини бу ҳам мерос олгандек, қаерда одамларнинг хотини ва қизи бўлса, тасаллут қўлини чўзганча, азоб ва кулфат зўрлиги билан саройга келтириб, айшу ишрат ва шахватпарстликка берилди. Бу иш тамоми халққа оғир ва малол келиб, // 327^a шариф ва бузрукворлар дур сочувчи тилларини насихат учун ғунча даҳонга ўхшатиб очиб, ул тўранинг зоти вужуди гулини нопок тикан ифлослигидан пок қилмоқчи бўлдилар. Аммо ҳеч файдаси бўлмади. **Байт:**

Насихати ҳама олам чу бод дар қафас аст,
Ба ғўши мардуми нодон жавоб дар ғирбол.
[Барча олам насихати шамолдек қафасда,
Нодон халқ қулоғида жавоб элакда].

Яқуббек қараса, Бузрукхон тўранинг бундай ярамас қилиғи кундан-кун ортиб, сипоҳ кишилари ва фуқаро шикоятчи ошиб бормоқда. Бундан эса ул ҳукуматга путур етиши аниқ бўлиб бормоқда. Давлат салоҳи иттифоқлигида тўранинг ҳукумати танобини ипак арқон билан қаттиқ тортиб, қўлида давлатнинг қанча ихтиёрлиги бўлса бекор қилди ва ҳар кун қорни тўйгудек нарсдан ортиғини бермай, шу зайл ишдан четлаштиргандек қилди.

Буни қипчоқлар Яқуббекнинг атайлаб қилган иғвосига йўйиб, Яқуббек ўша Гулбоғни қамал қилиб, эрта-индин олай деб турган пайтда, ҳали айтганимиздек, Бузрукхон тўрани ўзига қўшиб олиб ва лашкарни ҳам бузиб, Кошғарга келиб кирмоқчи бўлдилар. Бу ишдан Кошғар халқи огоҳ бўлиб, эшигу дарвозаларни маҳкам ва мустаҳкам беркитган кўйи «Яқуббек билан келадиган бўлсангизлар, шаҳарга кирасизлар, йўқса қаердан келган бўлсангиз, ўша ерга қайтаверинглар. Бошқача чора излашнинг йўли йўқ» дея жавоб бердилар. Қипчоқларнинг умид шишаси қаршиликнинг тош деворига теккач, ўзларининг натижасиз маслаҳати ва калта ақллиги гирдобига чўмдилар. Ноилож Хитойнинг Гулбоғ шаҳрига кириб, бекиндилар. **Назм:**

Аз кажий афти ба каму кости,
Аз ҳама ғам расти, агар рости.
Ту дар кори худ ба рости бар гумор,
Ки ҳам раста гарди, ҳам растгор.
Бувад мардуми бадҳаст, каж хиром,
Ба охир шавад ростонро ғулом.
Агар чанд бошад камон сахтгир,
Ба охир тавозе кунад пеши тир.
[Эгри бўлсанг қийинчиликка қоласан,
Тўғри бўлсанг барча ғамдан қутуласан.
Ишингни сен тўғрилиқ билан бажар,
Ҳам азобдан қутуласан, ҳам озод бўласан.
Одам ёмон қилиқ бўлса, эгри йўлдан юрса,
Охирида тўғри сўзларнинг қулига айланади.
Камон қанча қаттиқ турувчи бўлса ҳам,
Барибир ўққа эгилиб, таъзим қилади].

Тадбиркор Яқуббек фитна кўзғовчилар аҳволидан огоҳ бўлгач, дарҳол тарғонийларга ярашиш сулҳини таклиф қилиб, Кичкинаҳон тўра маҳдумий аъзамийни ул халққа ҳоким ва амир қилиб, кетларича етиб, Хитойнинг Гулбоғ қалъасини қамал қилишга киришиб, жоҳиллик саҳросининг ул кулфатзада саргардонларини ўзлари танлаган қалъадорликнинг исканжасига солганча икки ойдан кўп вақт давомида қамалда тутдилар. Бу воқеалар орасида неча марта қалъадан чиқиб, мардоналик урушлари қилиб халослик изладилар. Аммо ҳар гал Яқуббек ғолиб келиб, орқага чекинтирар эди. Шу замонда ул халқнинг сув ва озуқалари тугаб, қалъа аҳолиси ўртасида қимматчилик ва қаҳат бошланиб, ярашга мойил бўлдилар ва кетма-кет элчи чиқариб, сулҳга розилик билдиришга тушдилар. Лекин Яқуббек сулҳни қабул қилмас эди. **Назм:**

Синони азм бар ҳар жое ки партоби,
Макун ба дасти тараддуд инони худ суст.
[Юриш найзасини бирон ерга отар бўлсанг,
Тайёргарлик қўлида жиловни бўшаштирма].

// 327^b Ниҳоят Яқуббек навбатдаги элчиларга қарата: - Қирғиз-қипчоқ катталаридан ўн тўрт нафарини ушлаб беринг. Йўқса нима бошларингизга тушса, ўзларингдан кўринг, - деди. Яқуббекнинг

бу сўзлари баёни ул тойифа қулоғига етиб, ўй ғамига ботиб, чора ахтаришга тушдилар. Бироқ ҳеч қандай чора топмадилар. **Байт:**

Сахт во монданд аъвони суест реш,
Чун на пас донад, на пеш аз аҳмақиш.
[Сусткаш душманлар қаттиқ ҳайрон қолишди,
Аҳмоқлигидан на орқа-ю, на олдни билишарди].

Улус амирларининг ҳар бири ўзича чуқур фикр гирдобига ғарқ бўлиб, хаёл тадбиридан сўнг қуйидагича қарор қабул қилдилар: Эртага тонгда барчамиз биргалашиб чиқиб, оламини яратган Худойдан ғалаба умидини сўраб, душманга ташланамиз. Агар ғанимни орадан кўтара олсак, эсон-омон чиқиб кетамиз. Орадан олиб ташлай олмасак ҳам ҳеч ўксинманглар. Шу аҳволда очликдан тиришиб ўлгандан кўра жанг майдонида ўлиб кетмоқ минг бор афзалроқдир.

Шу қарорга келинганча, туни билан барчаси ўзларининг асбобу яроғ ва уруш ускунасини тўғирлаб, эрталаб тонгда отлари эгарига ўтириб, осмонда куёш кўриниши билан бир-бирига бақамти турганча жасурона бир ҳамла билан тақоворларни этик пошнаси воситасида чаққон ниқталаб, душман устига ёпирилдилар. Аммо бошиданок Якуббек ажиб бир ҳолатда бу кучли ҳамлага чидам бериб, ҳатто душманларни ўртага олишга эришдилар. Улар ичидан фақат Бекмуҳаммад *мингбоши қипчоқ* ва яна Мавлонберди деган бир *қипчоқ* ёнидаги оз сонли кишиси билан халослик топиб, аммо қазо уларнинг этагидан судраб, Хўқанд йўлига солиб юборди. *Қирғизия* ва *қипчоқия*нинг Саидбек *қирғиз*, мазкур Сиддиқбек *қирғиз*, Кўш²¹¹¹ *додхоқ қипчоқ* каби бошқа катталари ва бу қабиладан яна анча киши ҳамда Бузрукхон тўра кошғарликлар кўлига асир тушдилар. Ривоят қилувчилар сўзига қараганда, айтишларича, шу жангда деярлик беш юз нафар *қирғиз-қипчоқ* охиратнинг йўқлик оламига равона бўлган. **Байт:**

Доди мазлумон бидех мақсуди маҳруммон бар ор,
Дину дунёро бадин доду деҳаш маъмур дор.
[Мазлумларнинг оҳ-додини сўра, маҳрумларни мақсадга етказ,
Дин ва у дунёнгни шу икки адолатли иш билан обод қилгайсан.

Бекмуҳаммад ва Мавлонберди ёнидаги йигирма-йигирма беш кишиси билан чаққонлик қилиб, жанг майдонидан чиқиб қутулганча, меҳнату машаққат билан тоғу саҳро қийинчилигини кўриб, Марғиноннинг Учқўрғони устига етиб, қарор ва ором олдилар. Дам олиб, нафас ростлагач, жаноб хон ҳазрат валинаъмига ўз аҳволи ва ўз гуноҳларини кечириш борасида узр сўраб ёзилган арзадоштни неча бир илтимос ва илтижо баёни билан жўнатдилар. Арзадошт унвони жаноб хон ҳазратнинг дастбўсига етгач, марҳаматдан огоҳ жаноб хон уларни ўз лутфи карамидан умидвор қилиб, марғуб ва дилписанд иноятнома орқали Ёрмазорда туришларини буюрдилар. //328^a Олий фармойиш етишгач, чор-ночор ва юрагида чексиз тугун билан бориб Ёрмазорга тушдилар. Жаноб амирзода муросамадоро юзасидан уларга нафақа тайинлаб, ўша ерда сақлаб турди. Шу ҳолат билан бир неча кун ўтди. Сўнг Султон Муродбек томонидан улар қатлига ишора қилинган хат юборилиб, ўша ерда ул беадаб фитна кўзғотувчиларнинг бўйнига арқон солган кўйи ҳазрат Маози Жабалнинг нурга тўла мазорига олиб бориб, қилмишига яраша қаттиқ жазо бериб, 1282 йилнинг шаъбон ойида Бекмуҳаммад ва Мавлонбердини ўғли ва бошқалар билан бирга ўлдирдилар. Бундай жазо олам аҳлига ибрат бўлиб, уларнинг ёмонлигидан барча олам халқи қутулганча, қолган ўн тўрт нафарини эса бошқа жойга олиб бориб ўлдирдилар. Машҳурдирким, **байт:**

Мабодо ки ёғии ту паймон шикан,
Ки хок аст паймон шиканро кафан.
[Душманинг паймонни буза кўрмасин,
Паймон бузувчининг кафани тупроқ].

Бу номуродларни ўлдириш ишлари ниҳоясига етгач, Якуббек *қирғиз-қипчоқ*ларнинг тўрт юз нафар бебош авбош ва саҳройи, даштнинг ўлаксахўри, зағора ўғриси, қотирмахўр, макони тиканзор, пиёда юргувчи кишиларни *қипчоқ*лар ичидан танлаб олиб, уларга ўзларига ўхшаган Чинқул ҳез *қипчоқ*ни бош қилиб юборди. Бу йиғин Ўш вилоятига етгач, Худоёрхоннинг олий буйруғи бўйича ул халқ ичидан юз нафарини танлаб олиб, мазкур Чинқул ҳез билан бирга олдириб келиб, хоннинг манзур назаридан ўтқариб, сўнг ватанига қайтишга руҳсат бердилар.

Тадбиркор Якуббекнинг давлати янгидан юксалганча ва душманларни оёқ ости қилганча, ҳукумат барқарорлиги ва салтанат осойишталиги ишларига киришди. Анча вақт ўтгач эса бошига шаҳриёрлик хаваси даврони ва қалъа олувчилик замони хаёли келиб, Искандар тўғонидан ҳам тўғри ва

²¹¹¹ Кўш парвоначи – Қўқон саркардаси, қипчоқ. Алиқули даврида додхоқ, Тошкент ҳокими (декабр 1864-май 1865). 1865 йили Қошғарга кетиб Яқуббек бадавлат хизматида кирган. Янги Ҳисор шаҳри ботирбошиси (кутволи) этиб таинланган эди.

мустаҳкамроқ, Исфандиёр чехрасидан ҳам силлиқроқ қурилган ва тўпу туфанг деган нарсангиз иши сира қор қилмайдиган ҳамда бир неча минг хитой кофири бола-чақа, аҳли аёли билан юрт ва макон айлаган Маралбоши шаҳри томонга шоҳлик ғайрати билан қалъа олувчилик мақсадида юриш қилиб, наҳслардан холи яхши бир соатда йўналиш жиловини кўп сонли кўшин йиғноқи билан ул томонга тортиб, ул қалъа атрофини ҳалқадек ўраб олган кўйи қамалга киришди. Қалъа жуда мустаҳкамлиги ва олиш қийин бўлганидан фатҳ умиди анча кечикди. //328⁶ Ниҳоят билим ва дониш аҳлининг маслаҳат кўрувчилари тафаккур истаги ва ўтганлар қоидасига амал қилиб, қалъа пастадаги тўрт томони теп-текис ва лаҳм қазिश учун қулай бўлмиш сахнда нодиракор усталар ер тагига қўл чўзиб, кенг чуқур казиб, девор тагига етказдилар. Хитой кофирлари икки тарафдан қазилган лаҳмдан ҳам хабар топиб, унга карама-қарши чуқур ковлаб, уни душман чуқурининг оғзига етказдилар ва чуқур орқали келганларнинг зарбдор ҳамласини қайтариш мақсадида улар йўлини мустаҳкам равишда бекитиб ташлаган кўйи бу эҳтиёт чораси билан кўнгилларини тинчитдилар. Қалъанинг бир тарафи дарё бўлиб, у томондан иш битмаслиги аниқ эди. Аммо қалъанинг бошқа томонига Жомадор соҳиб²¹¹² *тўпчи* ҳиндустоний мутасадди бўлиб, фаранг аҳли кишиларининг ҳийла-найрангини ўргангани бўйича ерни ковлаб, чуқурнинг учини қалъага етказиб, кенг ва текис ясалган чуқур тагидан аввал куруқ ёғочларни нов шаклида ётқизиб, ундан кейин дору ва нафтни кераклича қуйиб ва не қадар эҳтиёт чорасини билса, амалга ошириб, сўнг ўт туташтирдилар. Оташ вужуди қувват олиб, керак муддаога етгач, бирданига гуриллаб ёнди. Ундан эса жойлаштирилган дору қувват олиб, қалъа деворини худди чанг-тўзон учган каби енгилгина осмонга кўтарди. Пастга қайтганида эса оёқ остига тўшаладиган тош, кесак каби гувала-гувала бўлиб тушди. Чунончи Мирзо Бедил айтади, **байт:**

Авжи давлат сифлатабъонро ду рўзе беш нест,
Хок агар имрўз дар чарх аст фардо зери пост.

[Пасткашларнинг давлат юксалиши икки кундан кўп эмас,
Чанг бугун осмонда бўлса, эртага ер билан тенг бўлур].

Бир гувала кесак келиб, мазкур Жомадорнинг бўйнига тушиб, ер тубан гурсиллаб қулаганча бироз вақт беҳуш ётди. Сўнг қайтиб ўзига келди. Бошқа бир кесак эса унинг бир одами бошига тушиб, ўлим хоки билан яксон ва ер билан теп-текис қилди. Хоку ғубор таскин топгандан сўнг, ислом лашкари аҳли бирданига ул очилган тешик сари ёпирилдилар. Кофирлар ҳам ёғочми, тахтами (топилган нарса) билан ул тешик йўлини бекитиб, ўқу туфанг отганча ҳамла аҳлини орқага қайтармоқчи бўлдилар. Ислом лашкари мерганлари журъат қўлини ўқу туфанг сари чўзиб, кофирларга омонлик бермай, ҳар тарафдан уриш-саваш ишига киришдилар. Кофирлар бунга бардош бера олмай ва шерамардларнинг қўл-билаклари кучига қаршилик кўрсата олмай, орқага қайтмоқчи бўлганлари ҳамано ислом лашкари ҳаммаёқни ўзининг қаҳрамон вужудлари билан тўлдирганча қалъа ичига кирдилар. Кофирлар қарашса, ул эркак арслонларга қаршилик қилиш амалга ошадиган иш эмас. Кофирларнинг тирик қолган бир минг уч нафари хотин ва боласи, катта-ю кичиги биргаликда дору сақланувчи омборхона ичига кириб, бирдан ул дорухонага ўт қўйдилар. Шу заҳоти кофирлар бекинган жойдан тутун чиқиб, бу қоп-қора тутун бутун осмонни тутди. Шунча динсиз кофирдан бир парча, ярим парча ҳар томонга сочилиб тушиб, бариси несту нобуд бўлдилар. Қалъа ичида озгина турфонийлар ҳам бўлиб, улар соғ-саломат мусулмонлар қўлига асир тушган кўйи омонлик ва халослик топдилар. Қалъанинг фатҳу зафаридан сўнг Ҳаким тўра ибн Эшонхон тўра *махдуми* аъзамийни ўша ерда қўйиб, ғалаба ва нусрат шавкати билан қайтиб, Кошғар шаҳрига кириб келдилар. **Байт:**

Бо бахти нек ҳеч касеро ситез нест,
Маҳри арўси мулк беҳ аз теғи тез нест.

[Яхши бахт билан ҳеч кимга азоб йўқ,
Мулк келини қалини ўткир қиличдан яхшироқ эмас]

Бироз вақтни давлат осойиши ва дин барқарорлигида соғ-саломат ўтказдилар. Шу ишлар рўй бериб турганида тадбиркор Якуббек *қўшбегининг* хуш қулоғига турфонийларнинг муҳолифати аломати ета бошлади. Сабру қарор ҳисси қанчалар чидамлилиқ қилса-да, кундан-кунга ул халқнинг кулфат асарли ишлари зиёда бўлиб, ҳаддан ошаверди. Якуббек *қўшбеги* анча маслаҳатлашувдан сўнг танбеҳ учун кўшин йиғиб, Ёрканд йўли сари юзланди ва давлат қўши мақсад жойида қарор топгач, бир неча кун қалъа қамалига машғул бўлиб ётди. Аммо Якуббек лашкари озгина ғафлатга берилган бир кечаси маккор тарғонийлар бундан хабар топиб, вақтни ғанимат билган кўйи ўша оқшомиси

²¹¹² Жомадор ноиб (1805-1880 й. кейин) – панжоблик. Лаҳорда сипоҳийларнинг зобити бўлган. 1850 йилгача сикхлар қўшинида хизмат қилган 1860-1865 йилларида Қўқон тўпчибошиси. Бир муддат Шарқий Туркистондаги Яқуббек Бадавлат хизматида ҳам бўлгани маълум.

қалъадан билдирмай чиқиб, шабихун билан ислом ғозийлари устига ташландилар. Бу пайт барча лашкар дам олганча мухолиф хавфидан тинч ётган эдилар. Шу сабабли кутилмаганда қаттиқ зарба остида қолганча баъзиси ўлиб, айримлари қочиб, қўшин ичида парокандалик юз берди. Тадбиркор Якуббек соғ-саломат ўз ўрнидан турди ва лашкарнинг орту олдини тўплаб, уларни Парвин юлдузлари туркуми каби ўз атрофига йиғиб, Қизилёри мавзесида ўрнашди.

Бу воқеалар асносида исёнчилар бошини икки фикр чулғади. Бири шуким, ўзлари ўйлаб топган макрларидан беҳад хурсанд бўлдилар ва овдан сўнг ўзидан кетувчи дарранда шер сингари мағрурлик ҳисси билан кеккайишга тушдилар. Иккинчидан, ғозийлар лашкари енгилгани воқеасини ўзларининг қаҳрамонлиги туфайли юз берган англаб, дадиллик ва бепарволик билан дала бошига чиқиб, мол ва ўлжа илинжида ҳар томонга тарқалиб кетдилар. Айни ўша пайт эса уддабурон ва шер юрак Якуббек *қўшбеги* зафар пайкарли лашкар билан бирга ул тарқоқлар устига бостириб бориб, бирданига душманлар устига от чоптирди ва душман кучларни остин-устун қилди. Кўплар ғозилар шамширига ем бўлиб, бошлари отлар туёғи остида коптокдек думалади. Бу каби шармандаларча мағлубиятга учраган душманнинг фақат озгина қисмигина шаҳарга қочиб кириб, халослик топдилар. Бир гапга қараганда эса қутулганлар сони ўттиз беш кишидан иборат бўлган экан. Ўша кечасини қандай қилиб бўлмасин бир навъ ўтказиб, эртасига эса тонгда шаҳарнинг барча уламо, амирлар // 329^б ва фуқароси ўз бўйнига ўқдон садоғи-ю, туфанг осилтириб, Якуббек олдида узрхоҳлик билан кўп тавба ва чексиз кечирим бажо келтирганча Якуббекни шаҳарга олиб кирдилар. Бу воқеа 1282 йил зу-л-қаъда ойининг ўн еттисида²¹¹³ рўй бериб, шундан ушбу бир минг икки юз саксон уч (1283/1867) йил, балки бир минг икки юз саксон тўртинчи (1284/1868-69) йилгача Хўтан, Оқсув, Кучадан каби ён-атрофдан чексиз тухфа ва совғалар келиб, тарафлар осойиши ва олти жиҳатнинг хавфсизлиги барқарор турибди.

Китоб хотимаси жаноб Худоёрхон валинаъмининг атоқли номи ва Бухоро подшоҳи зафарсиз амир Музаффар билан рўй берган воқеалар зикрини ўз ичига олади

Бу воқеа баёни ақлу зако арбоблари ва гапга чечан сўзамоллар, ҳикматли фикрларга иштиёқмандлар кўнглига маълум ва равшан бўлсинким, Бухоро амири катта қўшин ва кўп аскар билан келиб ва *қипчоқ*лар ишини бир ёқлик қилиб, жаноб Худоёрхон валинаъмини ота-бобосининг маврусий мамлакатига ва салатанати ўриндиғига ўтказиб, Бухоро томонга қайтган вақту замонда амир шу кетиш билан тўғри ўз мамлакати қароргоҳи бориб тушиб, йўл чарчоқларини ёзган кўйи ором олишга киришди. **Байт:**

Лаззати шоҳий туро бас, роҳати дигар мажўй,
Бо вужуди салтанат сармояйи дигар нахоҳ.
[Сенга шоҳлик роҳати етади, бошқасини излама,
Салтанат бўлатуриб, бошқа сармояни истама.

Амир кўнгли тусаганча дам олиб, қайта-қайта уйланиш ва хотинбозлик каби ишлар билан кеча-ю кундуз айшу ишратга машғул, олам ишларидан эса ғофил бўлиб, аниқроғи ўзидан кетиб, ўзини Фиръавн ва Намруд англаган кўйи дўсту душманни ҳеч назарига илмасди. Бир неча кун-ой шу тарика ўтди. Шу орада қиш ҳам яқинлашиб қолди. Бу айёмда Бухоро мамлакати подшоҳларининг расми бўлмиш тўқсон тўққиз тортуқлари маросими амалга ошиб, мамлакат ва амирликка қарашли ўлкаларнинг ҳар тарафидан саркардалар гуруҳ-гуруҳ тортуқ ва пешкаш келтира бошладилар. Жаноб хон валинаъми ҳам мурувват қонунига риоят қилганча совғалар тайёрлатиб, катта ҳаракатлар билан подшоҳга манзур бўларлик нима бўлса – улкан гавдали ва йўрға отлар, кимхоб мато, атлас, адрас газламалари, бошқа қимматбаҳо товарлар, олтин-кумуш жабдуқлар ва зардўзи кежимлар, шашनावий ёмбу сингариларнинг ҳар қайсинисидан мазкур қоидага биноан тўқуз-тўққуз қилиб, Баҳодирхон тўра Косоний орқали Бухорога юборди. **Назм:**

Шодем ба ҳар ғаме ки медорад дўст,
Қоней ба пуру каме ки медорад дўст.
Хоҳи думи аждаҳо, хоҳи дами теғ,
Шукр аст ба ҳар даме ки медорад дўст.
[Дўстдан етган ҳар ғам билан шодмиз,
Дўст раво кўрган оз-кўпга қонемиз.
Аждаҳо думими, қилич дамими, етган,
Чоғда дўстдан, шукр қиламиз шу дам].

²¹¹³ 1866 йил 3 аперль.

Шу воқеалар асносида 1282 йил шариф рамазон ойининг сўнгги ўн кунлигида²¹¹⁴ Ўрус кофирлари Тошкандан Дизах фатҳи ниятида лашкар йиғиб, қиш ўртасида //330^a Далв ойида кўп дабдаба ва сон-саноксиз тажаммул билан йўлга тушдилар ва Сайхун дарёси қирғоғига келиб, кема воситасида дарёдан сузиб, дарёнинг у қирғоғига ўтдилар. Сўнг бир неча кун давомида ўз кам-кўстини тўлдириб, уруш асбобларининг синиқ-бузуғини тузатиб, зарурий ишларни саранжомлаб олгач мазкур рамазон ойининг охирига даҳаси ниҳоясида Дизах томонга равона бўлдилар. Қиш қийинчилиги ва қор ёғиши, ер музлаши кабиларга ҳам қарамай, анча масофани босиб ўтиб, бу динсиз кофирлар олдда турган қанчалик лашкар ва илғорни назар-писандига илмай Дизах яқинидаги Учтепа мавзесига келиб тушдилар. **Байт:**

Рақиб пой бар афсод мениҳад бунёд,
Ба дафъ кўш ки то мор аждаҳо нашавад.
[Рақиб бузғунчилик иши сари оёқ кўйса,
Тез йўқотишга тириш, то илон аждаҳога дўнмасин].

Дизах қалъаси ҳокими Якуббек деган бир ғулом бўлиб, қалъани мустаҳкамлашга тушди ва ўз жойида барқарор турди. Подшоҳнинг ўзи бу пайтда Самарқандда истиқомат қилаётган эди. Устма-уст илғор юборилгач, Дизахнинг ичкараси ва ташқариси ислом лашкариясига тўлиб-тошиб кетди. Шунча одам бўлишига қарамай, кофирлар одамларни ғафлатда қолдириб, душанба тонгида шаввол ойининг бешинчисида тўрт тараф ва олти жихатдан бу динсизлар макру хийла ишлатган кўйи тўп-тўп ҳар тарафдан қалъа ташқарисидаги бозор ичига етиб, қалъа ичкарасига кирмоқчи бўлдилар. Шу вақтда халқнинг айрим юз-чехрани танувчи кишилари ул малъунларнинг нотаниш, тароватсиз юзларини таниб, бирдан ҳушёр тортганча бир-бирига бақириб-чақириб хабар беришди ва бегоналарни ҳалқадек ўраб олиб, оломон қилдилар. Кофирлар халқнинг журъатсизликка ва ҳамиятсизликка тушмаганларини сезиб, ҳар тарафга тўпу туфанг қарата бошладилар. Сўнг бирданига орқага ўгирилиб, юзни қочиш сари қаратдилар. Қўлларидаги қуролларга орқа қилганча бепарво бир равишда шунча оломон орасидан халослик топиб, бемалол кўш ташлаган мавзесига соғ-саломат қайтиб кетдилар. **Байт:**

Шаҳ чу ба азм дуруст пой ниҳад дар рикоб,
Дил шиканад хасмро, дар кафаш афтад инон.
[Шоҳ юриш чоғи узангига оёғини тўғри кўйса,
Душман ўтакаси ёрилиб, жилови кўлидан чиқади].

Қочганлар ўз қароргоҳлари бўлмиш Учтепа мавзесига етиб, ўн беш кунгача тинч ётдилар. Шу орада тарафлардан ҳеч бири урушга истак билдирмади. Мазкур кун воқеасидан кейин бу ғафлат ётишини кўрган Якуббек ғулом «балки булар сулҳ тузиш ниятидадир» деган хаёлда кофирлар зиёфати учун бир нечта туяда нон ва бир неч туя арпа ва ўт-пичан юбориб, ана шундай ташаббус билан хайрихоҳлик назрини бажо келтирди. Сабабга биноан кофирлар учун ҳам вазият танг келиб турган бўлса-да, сипоҳгарлик ҳаракати билан қайтиб, Сайхун дарёси //330^b қирғоғига Бўёқчи кўл мавзесига тушиб, ўзи ? бир неча нафар кишиси билан Тошкандга кирди.

Бу воқеалар асносида амири валинаъмининг фармойишига биноан аҳмоқ табиатли Рустамбек Тошкандий Қурамага бориб, Тилов ичига кирди. Ботирбек *қурама* Бўка қалъасига кирди. Фармон *додхоҳ*нинг ўғли *қурама* Олмалик шаҳрига бориб тушди. Мусулмонларнинг бу воқеаси баёни кофирларнинг ҳушсиз қулоғига чалиниб, кофирлардан уч юз нафари бу кишиларга қарши тайин қилиниб, ўша томонга жўнаб кетишди. Кофирларнинг «келди-келди» овозаси Тўйтепага етиб-етмай, бу ваҳшатли хабар шижоат пеша жавонмардлар қулоғига етишди. Аммо бу эркак шерларнинг ул касофат аҳлига қарши чиқишга юракларида жасорат туйғуси аланга олмади. Ҳар бири дуч келган йўлни танлаб, баъзиси Кандир тепалиги орқасига, айримлари эса Саримсоқлик тоғининг этагига етиб ўрнашдилар. **Байт:**

Ки шерони жангий кужо дидаи,
Зи овози рубоҳ бишнидаи.
[Жанг шерларини қаерда кўргансан,
Тулки овозидан кўрқиб бекинганин].

Бу воқеалар асносида Бухоро подшоҳи бўлмиш пасткаш таъбли силлиқ курра, сахий сифатли бахил, кўзи очик кўр, зафарсиз амир Музаффар ғазовот юриши ва номуборак шум ният билан Хўқанди латифга келмоқ учун неча минг бебош авбош, оёғи ланг дарбадар, кўти катта ярамас, боши-таги йўқ тоғора кишилардан иборат лашкарини йиғиб, Барс йили Наврўз байрамидан сўнг зу-л-қаъда

²¹¹⁴ 1866 7 февраль-17 февраль.

ойида 1282 санада²¹¹⁵ кўп дабдаба ва чексиз салтанат асъасаси билан Диззах вилоятига келиб тушди. Ҳозир у ғойиб, яқину узокнинг барчаси «иншооллоҳи таоло замонамиз амири кофирлар устига босиб бориб, барча кофирларни диловарлик журъати ва мардоналик шижоати билан отлари туёғининг остида эзиб, баҳодирларининг қўли баланд қиличи зарби билан майда-майда қилиб ташлайди» деган умидда эдилар. Аммо бу умидлари чиппакка чиқиб, қаранг, бу томонда қандай воқеалар юзага чиқиб кетди. **Байт:**

Эй хўжа, агар тавони ба ислоҳ бикўш,
Дар айб назар макун ки бе айб худост.
[Эй хўжа, қўлингдан келса яхшиликка тириш,
Айбга назар солма, фақат Худо айбсиздир].

Бу кутилмаган нохуш воқеаларнинг бариси ул номард ҳезалак, гавдаси салобатига номуносиб обрў эгасининг бузуқ хаёл орқасида қуйида айтмоқчи бўлганимиз баҳонани рўқач қилгани сабабли рўй берди. Гап шундаки, жаноб Амири валинаъми Худоёрхон ҳали салтанат ўриндиғига ўтириб, жон мазоқи билан мурод гулини ҳидламай, тахт узра бироз дам олиб улгурмаган, шунгача Хўқанди латиф вилоятида не-не фатаротлар рўй бериб, йигирма етти йил мобайнида қанчадан-қанча исёнлар кўтарилган, ҳар йил, ҳар ой ва ҳар кеча-ю кундузда не бир ўлдир-ўлдирлар содир бўлиб, журъат аҳлидан ҳеч бир марднинг юрагида //331^a душманга қаршилик қилиш кучининг қўри қолмаган хўқандликлар мана ўн уч йилдан буён ўрус кофирларига қарши уруш-саваш қилиб, неча бор Оқ масжид ва Иқон устига ва то Авлиёота, Марки, Пешкек, Олма ота, Чўлокқўрғон устигача бориб, совуқларда қолган кўйи кўп одам ҳалок бўлганча кофирларга қарши урушларда ўлган ва шу вақтгача ана шундай хароблик ҳолини бошидан ўтказиб турганлари жаҳон аҳлига маълум ва равшандир. Шу аснода тагин ҳар замонда неча бор қаҳатчилик йиллари рўй бериб, одамлар очлик азобини бошдан кечирмади дейсиз. Хўқанди латиф шаҳри аҳолиси ана шу сингари оғир кунлар кулфатини ортда қолдириб, ўлаёзган танлари янгидан жон топган кўйи ўз қаддини амир Худоёрнинг муборак қадами билан эндигина бир нав тўғирлаб ўтирган ва бу воқеаларнинг устига доимо куффор уруши фақат хўқандлик бечораларнинг жонига жабр қилиб ётган, шунингдек, вилоятнинг ҳар бурчагидан бир исён фалокати кўзғалиб турган пайт эди. Бу худди Марвда ҳукм сурган эронлик Ҳожихон Марвий кизилбошнинг хотини эрига Бухоро амирлари дастидан айтган шикоятига ўхшаб кетади. **Байт:**

Як сў жафои сунний, як сў жафои чарх,
Жавр аст бар ғулом, ё Муртазо Али.
[Бир томон сунний жафоси, бир томонда фалак жафоси,
Эй Муртазо Али, қулларингга жабрдир бунинг барчаси].

Хуллас, ана шундай азобларни бошидан кечирган Хўқанди латиф мамлакати ва халқи кўшинини ул нокас Бухоро амири ўрус кофирига қарши жанг майдонида олдинги сафда кўйиш, ўзи эса бир кун-икки кунлик орқа масофада туриб, бечораларни кофир кўшининг илк зарбига учратиб, не талафот, нобудлик бўлса, хўқандликлардан бўлсин, ўзимга зарар-заҳмати етмай қайтай, деган хаёлни кўнглига тугиб, неча бир хос маҳрамлари, сон-саноксиз ясовулларини устма-уст дил алдовчи ва таҳдид аломатли хатлар билан кетма-кет хон ҳузурига юбориб, хонни урушда бирга бўлишга чақирди. Жаноб амир Худоёрхон эса етук ақлу фаросат билан унинг бўлмағур муддаосини англаса-да, замонасозлик қилмаса иш чигаллашини ҳам ўйлаб, минг нафарга яқин сарбоз ва озгина нафар маҳрам ва ясовуллари гуруҳини йиғиб, куфр ғазоси ниятида юборишга қарор қилди ва шаҳардан тахминан ярим фарсах масофа наридаги Ер масжид даҳасига чиқиб, ўша ерга кўниб, у ерни улуғворлик чодирлари тикиладиган кўш ташлаш жойига айлантди. **Байт:**

Ҳар шоҳ ки ў нияти худ рост кунад,
Ёбад зи худой ҳар чи дархост кунад.
[Қай шоҳ ўз ниятини тўғри қилса,
Худодан нимани истаса, шуи қўлга киритади].

Хон тахминан ўн беш кун давомида ўша ерда истиқомат қилгач, амирдан яна кетма-кет маҳрамлар келиб, хоннинг бу ерда қолмай тез келишини маълум қилишгач, Қайрағоч даҳаси мавзесига бориб тушди. Уч кун давомида ўша ерда тўхтаб, зу-л-қаъда ойининг йигирма олтида сешанба куни эса кўзғалиб, Сайхун дарёси қирғоғигача етди. //331^b Дарёнинг у соҳилига кечиб ўтиш пайти олдин тўпхонанинг айрим асбоб-ускуналари, мерганлар гуруҳи, бир тўда пароканда одамларини ўтказиб, жаноб султоннинг ўзи эса улардан кейин ўтмоқчи бўлди. Бу ўринда шуни айтишга тўғри келадикки, барча олам ва олам аҳлига маълум ва равшандирки, тахту тожга сазовор бўлиш, давлат ва ҳукуматни қўлга киритишида ул жанобнинг муборак қадамлари сабот-матонатда

²¹¹⁵ 1866 йил 18 март -16 апрель.

мустаҳкам турган. Иқболлари пешонасига кўпинча ҳарб сафари ёзилган бўлиб, неча марта лашкар тортиб, душман устига борган бўлсалар, ғанимга катта шикаст етказиб, ҳар гал душман лашкаридан уч минг-тўрт минг одамни қиличу болта зарби билан ҳалокат гирдобига улоқтирганлар. Бу гапларни қуйидаги воқеаларга изоҳ сифатида эслатмоқдамиз. Дарёдан ўтиш вақтида азим бир тўфон ва кучли бир шамол кўзғалиб, юракларга қаттиқ кўрқув ҳиссини солди. Одамларнинг юз-кўзига ҳовуч-ҳовуч тупроқ ва қум келиб уриб, Од қавми ҳалокатини эсга солган²¹¹⁶ кўйи «улар кутурган бўрон билан ҳалок қилиндилар»²¹¹⁷ дан хабар берди. Олдин дарёга тушган икки кемадаги неча юз одамлар дарёдан ўтиш чоғи фано денгизига ғарқ бўлдилар. Қанча кишилар шу чўл ва қумликда кўзу оғзи тупроқ, қумга тўлганча адашиб, хайрон ва саргардон ҳолда жонни фано ўлими гирдобига топширдилар. Кўзлари юмуқ ҳолатда дарёга тушганлар эса дарё қаърига чўкардилар. Бу каби можаро икки кеча-ю кундузгача рўй бериб, шундан сўнггина оз-моз босилгандек бўлди. Жаноб султоний шундан сўнг дарёдан кечиб ўтиб, Оқжар мавзесига ўтиб қўш ташлади. **Байт:**

Чу аз хора бишкаст миной сушт,
Ба устозии кас нагардад дуруст.
[Сайқал беришда хом идиш синса,
Уни бирор бир уста таъмирлана олмайди].

Бухоро амири қараса, жаноб хон валинаъми унинг сўзига илтифот қилмай, йўлни тескари тутиб, орқага қайтибди. Амир кофир томонга борадиган йўлни ул тарафда қолдириб, қаҳру ғазаб ва ёмон ният билан Хўқанди латиф – Аллоҳ ўз *паноҳида асрасин* – томонга кўз тикди. Бухоро вилоятнинг юзи қаро уламози эса хўқандлик эркаклар қонини тўкиш ҳалол, аёлу фарзандларни асир олиш жойиз, уларни олди-сотди қилишга фатво беришибди. Қўллари қирқилсин бундай равишу рафтор билан фатво ёзиб берганларнинг. Амир худди захарли илон ҳалқасидек ўралиб орқага букилди ва камондек бир томонга қийшайиб, Ўратепадан ярим фарсахча наридаги Лакат мавзесига етиб келиб, отдан тушди. Ушбу мустазод рубоий унинг шу ҳолатига муносиб келади. **Рубоий:**

Риши ту ки қомати туро пинҳон кард,
эй мардакаи хар,
Аз риши //332^a ту сад риши дигар битвон кард,
аз рўйи ҳунар.
Аз риши ту як кўҳна жаволе бофанд,
пашмини калон,
Ўро ба ҳазор гўз пур натвон кард,
риҳанд магар.
[Қоматингни бекитиб турган соқолинг,
эй, йигит ўлгур эшак,
Ҳунар билан тўқиғудек яна юзта,
шу каби соқол бешак.
Соқолингдан бир эски қоп тўқиса бўлур,
яъни каттакон жун қоп,
Унинг ичи минг ел билан тўлмас, магар,
ахлат тикмасалар кўпрак].

Шу мавзеда икки ойгача ётиб, ҳар кун қизбозлик ва баччабозлик базмини ясар, туну кун дойра ва даф садолари остида кўнгилхушлик ва фисқу фужур маишатини авжига чиқариб, инсон шаъни, аниқроғи, эл-юрт отаси деган номига ярашмайдиган шу бўлмағур қилиқлари билан оёғи остидаги тупроқни ҳаром қилган кўйи жаҳолатлик хислати ва аҳмоқона фаросати сабабли кофир лашкари ўзидан бор-йўғи беш фарсах нарида ётгани ҳолида бундай номаъқул ишлар билан машғул бўлди. Ҳар куни ул бедавлатнинг топшириғига биноан одамларнинг хотин-қизларини зўрлик билан тортиб олиб келишарди.

Қитъа:

Маст будан нест зоти пешаи арбоби мулк,
Шоҳро дар салтанат ойини хушёри хуш аст.
Шоҳ бошад посбони мулк, масти хоби хуш,
Посбонро хоб лойиқ нест, бедори хуш аст.

²¹¹⁶ Солиҳ пайғамбар уммати бўлган Самуд қавми итоатсизлиги ва Ҳуд пайғамбар уммати саналган Од қавмининг ўз пайғамбарини тан олмаганликлари учун юборилган олов, момоқалдирик ва тўфон каби офат-балолари кўзда тутилмоқда.

²¹¹⁷ Қуръони карим, 69:6.

[Мулк арбобларининг зоти мастликни касб этмаслиги лозим,
Шоҳга салтанат узра ҳушёрлик қоидаси яхши эрур.
Шоҳ мулк посбонидир, мастлик яхшигина бир уйқудир,
Посбонга эса уйқу муносиб эмас, бедорлик яхши эрур].

Амир шу ҳолича яна жаноб хон валинаъми ҳузурига кетма-кет одам юбориб, кофирларга қарши урушга ундашдан бўшамади. Жаноб хон валинаъми ул ҳезалак к...нинг кепакка тўла хум бошнинг сўзлари ижросини орқага суриб, келганларни бир нечта баҳона рангидаги сўзлар билан қайтарар эди. Амир эса булардан хоннинг «тирик юриш беҳуда ўлиб кетишдан кўра яхшироқ» мазмунидаги сўзларининг тагига етиб, ғазаби янгидан аланга олиб, бўлмағур саъй-ҳаракат ва натижасиз уринишлар қилди. Аммо булардан ҳам муроди ҳосил бўлмади. Шунда сўнг кўзини кўр, қулоғини қар қилиб, мазкур йилнинг 24-зу-л-ҳижжасида²¹¹⁸ кофирлар тарафга йўналиб, ҳар кун бир фарсах-ярим фарсах йўл юрганча уч фарсанг масофани неча бир кунда босиб ўтиб, Сайхун дарёси қирғоғига яқин ерда жойлашган Майда юлғун мавзесига келиб тушди. **Байт:**

Каффофи нафс агарчанд андак аст, вале,
Жаҳон ба теғ гирифтанд зи ҳиммати олийст.
[Нафсни оз мунча нарса билан жиловлаш ўзи жуда осон,
Бироқ оламни зўрлик билан олиш олий ҳимматдир.

Ўша ердан Абдуғаффорбекни беш туғ лашкарга сардор қилиб, Қурама вилояти томонга жўнатди. Ўзи эса мазкур мавзуда ўрнашди ва Алиёрбек манғит, Яқуббий ғулом, Шерали ғулом ва бошқа саркарда-ю *понсад*ларни неча минг лашкарга амир тайинлаб, то бир фарсанг-икки фарсанг Ўрус томонга юриб, ҳар куни шу зайл борардилар. Бу иш кофирларга аниқ бўлгач, муҳаррам ойининг шанба куни кофирлардан озгинаси улар олдига чиқиб, енгилгина уруш-саваш қилганча яна орқага қайтиб кетдилар. Бу воқеалар //332^б манғитларга хуш ёқиб, кофирларни сағир ва ҳақир билдилар ва назар-писандига илмоқни истамадилар. Ўша тунни кофирлар қиссаси ва ҳикоялари билан ўтказиб, ҳар бири ўз мартабасича лофу қоф уриб, ўзларини худди Рустами дostonдек билиб, кеккайиб ўтирдилар. Якшанба кунининг тонги оқариб, офтоб Қисқичбақа буржидан фарҳанг подшоси амрига биноан неча бир талотўм билан осмон палосига оёқ босиб йўлга тушгач ва олам равшан ва намоён ва содиқлар қалби сингари мусаффо ва мужалло бўлгач, бу томондан ислом лашкари ҳаракатга келиб ва қонли дил билан жанггоҳ мавзесига етиб, саркарда ва *понсад*ларнинг ҳар қайси ўз жойида ўрнашиб, сафларни тўғирладилар ва тўпу туфангни саф олдида худди садди Искандар тўғонидек қилиб қўйиб, кофирлар келишини кутиб турдилар. Аммо якшанба кофирларнинг чўқиниб, ибодат қиладиган куни бўлгани учун то пешин намозигача шу ишлар билан тўхтаб туриб, ибодат машғуллигидан фориғ бўлгач уруш майдонига равона бўлдилар ва тўхтовсиз равишда етиб келиб, ислом лашкари қаршисида юзма-юз сафлангач дарҳол жангга киришиб, уруш-саваш сари кўл чўздилар. Ҳар икки тараф бир-бирига зиён-заҳматлар етказган кўйи неча бир уруш амаллари қилдилар. Буни кўрган ёки эшитганлар ақли ҳайратда донг қоларди. **Назм:**

Жаҳон тор гардиду гардун зи гард,
Ки аз ваҳми ў зор мемурад мард.
Камон ҳам чу абрўи жонон шуда,
Зи ҳар гуша ғоратгари жон шуда.
Ба найзаи ҳар яке жон гусил,
Чу болобаландон бераҳмдил.
Шабобшаб шамшери алмосгун,
Ба ҳар сў равон кард дарйёи хун.
Чакочаки теғ, фашофаши тир,
Баровард аз жони мардум нафир.
Яке дар ғами жони худ монда буд,
Яке доман аз жон бар афшонда буд.
Яке рахт баста зи баҳри гурез,
Яке теғу пайкон ҳамекард тез.

[Жаҳон қоронғу бўлди, осмон ғуборга тўлди,
Унинг ваҳмидан зор ўлди бўлса неча мард.
Камон жонона қошларидек эгилган, ҳам,
Ҳар бурчакдан жонларга солар чанг.
Ҳар бири найзаси билан жон олгувчидир,

²¹¹⁸ 1866 йил 10 май.

Узун қадликлар каби дилида йўқ сира раҳм.
 Тунлари олмос рангли қиличлар,
 Ҳар томонга оқизди қон дарёсини.
 Қиличлар чақ-чуқи, ўқлар виз-визи,
 Қўшин аҳли жонидан чиқарди оҳ-дод сасин.
 Бири ўз жони ғамида қолган эди,
 Бири эса ўз жонидан этак силкиган эди.
 Бири қочиш учун тўшагин йиғиштирган,
 Бири қиличу пайкон учини ўткирлар эди].

Жанг алангаси ловуллаб гуркирашга киришгач ва кофирлар сони борган сайин зиёда бўлавергач, *мангит* кишилари неча йилдан бери уруш кўрмай юрган ва бу қадар каттиқ урушни ўзи тугул ота-бобоси-ю, аждоди кўрмаганлиги учун бирданига ҳушлари боши косахонасидан учиб ва ул бепоеён даштда ҳар бири бир тешикка қараб //333^a қочиш йўлини излардилар. Нима бўлсанг ҳам ҳезалак бўл, катта бўл экан. Бухоро подшоҳи бир фарсанг нарироқда турган кўйи урушни дурбин орқали томоша қиларди. Динсиз кофирлар камон-ёйдан ўқ отиб, туфангдан ўт очиб, гаранг *мангит*лар устига ўқ-олов учқунларини ёмғиру қор ва дўл каби ёғдирганча ҳеч бир ҳаялсиз ислом лашкари устига бостириб келгани заҳоти лашкар аҳлини гангитиб, аскарлар орасига парокандалик солдилар. Бухоро аскарларининг бариси чўлу саҳро ва қаер дуч келса шу томонга ура қочдилар.

Маснавий:

Чу шоҳи ба шоҳ Музаффар расид,
 Шукўҳе дар он хондон кас надид .
 Ба ёд ор он қавли санжидаро,
 Бихон назми марди жаҳондидаро.
 Шукуҳе намонда дар он хондон,
 Ки бонги хурўс омад аз мокиён.
 [Шоҳлик шоҳ Музаффарга етгани замон,
 Ул хонадон шавкатидан кўрмади ҳеч ким нишон.
 Ул синовдан ўтган мақол сўзини эслаб кўр,
 Жаҳон кўрган эраннинг назмини ўқиб, бил:
 Сира шавкат қолмади ул хонадонда,
 Мокиёндан хўроз товуши чиққан онда].

Ҳезалак ғум-ғум подшоҳ бу ҳолни дурбинда кўргач, ул тенги йўқ кўти каттада тоқат қолмай ва кийим кийиш ва оёғига этик илишга фурсат етмай, оёқ яланг, бош очик минг бир дардга тўла ҳасрат билан отга миниб, аср намозига яқин Диззах томонга қараб кетди. Лашкар аҳли орасига фатарот тушиб, шому хуфтон вақтигача у ерда ҳеч бир кимса қолмай, жангу жадалсиз қочганча тарқалиб кетдилар. Ҳеч бир одам бундай номуродликни кўрмаган ва бу каби рўй берган саранжомсизлик ҳодисасини эшитмаган эди. Ҳеч бир ҳукмдор бу ...м яловчи, пўстак елка, яланғоч гардан ҳезалак бошига келган аҳволга тушиб, ота-бобосидан қолган ва Бухоронинг катта оғиз халқининг ифтихори бўлган бу қадар эски салтанат ва хазинаву дафина, тўпу яроқу подшоҳлик низоми асбоб ускунаси, айниқса, неча бир дилбанд маъшуқасини шундайлигича отлар туёғи ва кофирларнинг тепкиси остида беқадр қилмаган эди. **Қитъа:**

Рише ки дори агар танобаш гиранд,
 Сад тўли амл пашм ҳисобаш гиранд.
 Бар хирс расад агар закоти муйе,
 Хирсон ҳама соҳиби нисобаш гиранд.
 [Соқолинг узунлигини ўлчасалар, агар
 Юз қопга яқин жун оладилар.
 Агарда айиқлар ҳам жунларидан закот тўласалар,
 Фақат шу амирни улар солиқ тўлашга лойиқ билардилар].

Бу воқеа 1283 йил муҳаррам ойининг еттинчиси якшанба куни²¹¹⁹ рўй бериб, жаноб ҳези бебоши калонбош қоч-қоч билан кечаси-ю кундузи югуриб, жони ҳалқумига келган кўйи Диззах қалъасига етиб келди. Вилоятларидан бир нечтаси эгасиз ва ҳокимсиз қолиб ва Абдулғаффорбек юз Ўратепага кириб, у ерни музофотлари билан бирга ўз тасарруфига киритганча мустақилликка эришди. Хўжанд одамлари эса жаноб хон валинаъми хузурига етиб, бошини жаноб шаҳриёр оёғига

²¹¹⁹ 1866 йил 22 май.

қўйиб, сардорлик илтижосини қилдилар. //333^б Жаноб шахриёрий Мулло Тўйчи *додхоҳ қирғизни* бир нечта эътиқодли одамлар билан бирга уларнинг ёнига солиб, равона қилди. Масофаларни босиб ўтиб, яхши бир вақту соатда бориб, шаҳар ичига кирдилар ва Хўжандга тобе Нов қалъаси, Қўштегирмон, Ғўлакандоз, Оқтепа, Далварзин, Маҳрам, Қарақчиқум, Конибодом²¹²⁰ каби вилоятларнинг ҳаммаси амири валинаъми (Худоёрхон) тасарруфига кириб, олам соф ва бир хил рангда бўлди.

Чунончи Туркистон машойихининг сўзлари борким «отилмаган сапқон ҳам бошга тегар, ҳам кўзга». Бундай масаллар амирнинг шаънига тўғри келиб, Диззахда ҳам тўхтаб тура олмай, Самарқандга қочди ва у ерда ўлишдан ҳам баттарроқ кўркув ваҳмида қолиб, бир неча кун истиқомат қилди. Алиёрбек *манғит* Диззахга кириб қарор топди ва қанча амвол, хазина ва тўпу туфанг қолган бўлса, барчаси кофирлар ва бебош авбош разил кишилар қўлига тушиб, подшоҳликнинг неча йиллар давомида йиққан нарсалари бир дамда несту нобуд бўлди. **Байт:**

Порсо моро махмур гуфт, биллоҳ рост гуфт,
Мо бисоти ҳар ду оламо ба як жав бохтем.
[Порсо менга мастсан деди, худо ҳаққи тўғри айтди,
Биз икки олам бойлигини битта тариққа сотдик].

Баттол кофирлар жангу жидолнинг обу софидан дам олгач, Ўратепа ва Дизахни қўйиб, йўналиш жиловини Хўжанд вилояти томон тўғирлаб, озгина кун ичида етиб келиб, шаҳарни қамал қилишга киришдилар.

Шаҳар ичидаги бир нечта динини дунё учун сотган юзи қора уламо ва оқсоқол ва арбоб «Ишончсизлик бир ўликса кабидир ва унинг талабкорлари итга ўхшарлар» ҳадисига мусодиқ ҳолда ўзларини «у дунё ва охирада зиён кўрур»²¹²¹ оят мазмунича залолат саҳросига солиб, озгина маблағ учун бунчалик одамлар қонини ўз гарданига олиб, шаҳарни бермоқ борасида тилни бир қилгандилар. Бу гапнинг қисқаси шуки, бундай қаттиқ қамалга қарамасдан амири валинаъми Баҳодирхўжа *понсадни* тўпи билан бирга ёрдамга юборган эди. Ул бир юз неча киши кофирлар орасидан ёриб ўтиб, шаҳарга кирдилар. Бу каби журъатларга қарамай, кофирлар Хўжанд дарвозаси рўпарсига етиб, қалъага одам югуртириш усулини қўлладилар. Хўжанд халқи ғайрат кўрсатишни ўзларининг бурчи билиб, ҳамлачиларга зарба бериб, орқага қайтардилар ва қўлдан келгунича шу ерда бу ишга машғул бўлиб турдилар. Аммо ҳалиги юзи қаролар бошқа дарвозани очиб бериб, кофирларни мазкур йилда 23-муҳаррамда²¹²² шаҳарга киритдилар. Хўжанд қалъаси фатҳи осон бир шароитда кофирлар қўлига муяссар бўлди. Хўжанд фуқароси қарашса, кофирлар шаҳарга киришибди. Шунда ҳам ғайратлари сўнмай, кофирларнинг йўлини //334^а тўсиб чиқдилар ва улар билан олишувга тушдилар. Анча сайъ-ҳаракатлар қилдиларким, замин у замон ва доно ва нодон одамлар ҳайрат бармоғини таажжуб тиши билан тишлаб, таҳсин ва офарин айтдилар. Тарафлар қўлни ўқу туфанг ва чўпу таёқ сари чўзиб, икки томондан ҳам бир хил талофат бериб, бир хил миқдорда одам ўлди. Аммо мусулмонлардан кўпроғи ўқу туфанг ўқиға учиб, бир-бирининг елкасига юз қўйганча қалашиб ётариб, айримлари дуч келган кўча ва маҳалла ва боғларга уриб, бадар кетгандилар. Кофирлар қўлга кирган маҳалла-кўй, бозорда ҳеч кимни тирик қўймай ва ҳовлиларда хотинлар ва болалар қолмай, туфанг билан отиб ва шаҳид қилиб ва ҳазрат шайх Муслиҳиддин бузрукворнинг файз осор мазори ичида не қадар ғарибу ғурабо ва кўру ланг ва лаванд ва гадо бўлса, биттаси ҳам тирик ва соғ қолмай, барчаси йўқлик тупроғи остига кўмилдилар. Мадраса ва карвонсаройларда ҳам кўп халқ қатлу торожга етиб, мамлакат теп-текис бўлди. **Байт:**

Некро аз бад чи донад бе шуур,
Рўзу шаб яксон намоядаш ба кўр.
[Онги паст яхшини ёмондан қандай ажратсин,
Кўрга кеча-ю кундуз барибир эмасми ахир].

Тарафлар тинчиганидан ва қиёмат аломатли можаро поёнига етгандан сўнг ҳар бир тойифа ўз ўлганларини излашга тушди ва ҳар бир фирқа ўз ўликларини санаш билан машғул бўлди. Мусулмонлардан аёлу эркак, катта-ю кичик ҳаммаси бўлиб икки минг олти юз нафар шаҳидлик даражасига етган эди, кофирлардан эса бир минг икки юз нафар жаҳаннам уйига равона бўлиб, ўша жойда мақом тутганди. Бу тўс-тўполонли можарода Хўжанднинг неча бир фуқароси зулму ситам оёғи тагида қолиб, кофирлар босқинига дучор бўлди. Шаҳарнинг кўпчилик эътиборли кишилари минг бир ожизлик-шикасталик изҳори билан хат битиб юбориб ва ислом мададини жаноб хон валинаъмидан истаб, кетма-кет одам юборардилар. Жаноб хон валинаъми эса узоқ ўйга чўмиб,

²¹²⁰ Қўштегирмон, Ғўлакандоз, Оқтепа, Далварзин, Маҳрам, Қарақчиқум, Конибодом шаҳар ва қалъаларининг барчаси Фарғона водийсида жойлашган эди.

²¹²¹ Қуръони карим, 22:11.

²¹²² 1866 йил 7 июнь.

кофирларга қаршилик қилишга журъат эта олмадилар. Куффор аҳли эса ўз сайъ-тараддудига машғул бўлиб, қанча шикасту рехти бўлса саранжомлаб, 1283 йилнинг йигирма учинчи жумода-лаввалида²¹²³ сешанба куни бежо ҳаракат қилиб ва кулфат асар юришини Ўратепа йўли томон солиб, катта кўшин билан ўша томон сари йўлга тушиб, Оқсув бўйига етиб кўш ташлади. Чаҳоршанба куни ўша ерда тўхтаб, истиқомат қилиб, қозоқ-ўрус баттолларидан уч юз нафарга яқин тойифа кишиларини //334^б ировул тариқасида Ўратепа йўли билан равона қилди. Ўратепа вилояти ҳокими ва бошлиғи Абдулғаффорбек юз кўплаб мард кишиларни қаровулликка чиқариб, йўлни ўрганиш учун юборган эди. Йўл асносида кофирларга дуч келиб, урушга киришдилар. Ислон қуввати нечалар зўр келиб, ул кофирларга ҳамла қилиб, шундай зарб урдиларки, ботирлар зарбасидан кофир аҳлида тобу тоқат қолмай, келган йўлларида минг бир ҳийла билан қайтиб, қочиш йўлини тутдилар. Тез югурувчилар жанг қилиш ниятида кофирлар кетидан етиб, пўлат найзалар ва кўкрак тешар ханжарларни ишга солиб, кофирларни ўлдира-ўлдира, уриб-суриб, кўшига етказиб қайтдилар. Ислон аҳлининг журъати куффор аҳлига маълум ва равшан бўлгач, беқарор дилларида сабр-тоқат қолмай, пайшанба тонгида кўзғалиб йўлга тушдилар. Куркат мавзесига етгач, ислон лашкари олдга чиқиб, кофирлар йўлига ғов бўлиб, азим бир жанг солиб, қаттиқ саъй-ҳаракатлар қилдилар. Куффор сон жиҳатдан қанчалик кўплик қилса ҳам ислон аҳли елкама-елка туриб, жанг қила-қила ортга чекиндилар. Навканд мавзесига ерганларида тақовар жиловини тўхтатиб, яна бир бор қаттиқ бир жангга киришдилар ва шу каби уруш-саваш билан ҳар мавзеда қарор тута-тута, Моховзор яқинига етиб тушдилар. **Назм:**

Касе ки ҳақ нашиносад аз ў умед бибур,
Касе ки нест вафояш бад ў макун пайванд.
Зи ҳусни аҳд ба олам агар алам карди,
Ливои рифъати ту бигзарад зи чархи баланд.
[Ҳақни танимаган одамдан умидингни узавер,
Вафоси йўқ кишига ҳеч замон боғланма сен.
Яхши аҳдлик билан олам аро байроқ тиксанг,
Кўтарган байроғинг баланд осмондан ҳам ўтар].

Ўша куннинг эртасига куффор аҳли қалъага босиб боришни режа қилиб, йўлга тушди. Мусулмонлар эса соч толасини беҳато урувчи қанча мерган бўлса, шаҳардан ташқари чиқариб, паст-чуқур ичида ётқизиб қўйгандилар, ўшалар душманлар етиб келиши билан тарафлар ўртасида тўпу туфангни янгротиб, ҳар тараф ва томондан ҳеч тўхтовсиз уришга киришдилар. Ул кофирларда тобу тоқат қолмай ва қаттиқ мағлубиятга учраб, орқага қайтиб кетдилар.

Шу зайл можаро кундан-кунга зиёда бўлди. Жумода-л-охир ойининг тўртинчи ёки бешинчисида якшанбага ўтар кечаси²¹²⁴ саҳар вақтида Абдуғаффорбек уч дарвозадан одамлар тайин қилиб ва ўзи тўғон каби Муғ дарвозаси тагидаги хандақ ичини хас-хошакдан тўлдириб, шу қадар //335^а чуқур ва кенг хандақни бир кечада йўл билан тенг қилиб, тонгни кутиб турдилар. Шунча ишлар амалга ошгач, шаҳарнинг ғафлатзада халқи ғофил ва зоҳил ва ўз ҳолича ухлаб, оламдаги гаплардан беҳабар ётган пайтда душман келишилган вақтни кутаркан, тонг бошида шаҳарнинг бир нечта дарвозасининг ҳар бирига минг-икки минг кофирни муқаррар тайин қилди ва губирнот-женролнинг ўзи кўп фавж билан Муғ дарвозаси тагида ҳозир у нозир турди. Бирданига ул текис йўлга ўтиб ва шаҳар дарвозасидан кириб, шаҳар ҳокими ўтирадиган Муғ қалъаси устига санжоқ туғ ўрнатиш учун бир соҳибни тайинлади. Кофирларнинг қолган лашкари ҳар дарвозадан фирқа-фирқа, тўп-тўп баланд овоз ва сурон билан туфангга ўт қалаб ва шаҳар кўчаларига кириб ва оламни кофир одами босиб, кўчаларни ўз одамларига лик тўлдириб бозор бошига етишдилар. Ислон аҳли қанчалик мусулмонлик ҳамиятини бажо келтириб ва садди Искандардек устивор туриб жанг қилсалар-да, қарасалар, ул диёр ҳокими Абдулғаффорбек юз кофирлар кириб келиши билан қочиб кетган экан. Мусулмонларнинг тор-пуди бўшашиб, чок-чокидан узилди. Ўз вақтида қочиб қолишни ўзига лозим билиб, одамларнинг ҳар қайси ўз уйларининг пана жой ва бурчагига уриб, кофирлар кўзидан нарироққа яшириниб олдилар. **Назм:**

Дар тараддуд раҳи нажот мадон,
Ҳеч хислат беҳ аз сабот мадон.
Дар маонии сабот варзу сабот,
Майл дори ба рафъати даражот.

²¹²³ 1866 йил 2 октябрь.

²¹²⁴ 1866 йил 14 октябрь.

[Иккиланишда йўқ роҳи нажот,
Ҳеч хислат саботдан яхши эмас.
Маънида сабот қил, яна сабот,
Шундан етар юқори даражот].

Шаҳарга кириб қолган қишлоқ аҳлининг бечоралари яширинишга жанггоҳдан бошқа жой топмай, кўпчилик ислом халқининг ҳаёти куффорнинг қиличу туфанги фаноси елига совурилди ва беҳбуд шаҳидлиги даражасини топиб, охират оламига ошиқдилар. Уч соатгача шаҳарни талаб яғмо қилиш ва аҳолини қириш билан машғул бўлдилар. Шундан сўнг эса халққа омонлик фурсатини бериб, халослик бахшида қилдилар. Бу даҳшатли уруш жараёнида шаҳодат даражали мусулмонлардан саккиз минг кишидан кўпи кофирларнинг қилич ва туфангидан ҳалок бўлдилар. Ўлган кофирлар сони эса беш мингдан кўп бўлиб, барчаси дўзах қаъри ёки оташли муздек маконга равона бўлдилар. Кофирлар шу тариқа //335⁶ Ўратепа мамлакатини билан кучи билан ўз иқтидор қабзасига киритдилар. Абдулғаффорбек эса бола-чақа ва аҳлу аёли билан қочиб, Самарқандга етиб олди. Куффор аҳли етти кун давомида Ўратепада туриб, ул вилоят ишларига саранжомлик бериб, якшанба куни мазкур ойнинг 23-куни²¹²⁵ Диззах вилояти сари йўлга тушиб кетди. Манзилларни босиб ўтгач, муддаодаги сарманзилга етди ва бир неча кунда қариб ярим фарсангдан кўпроқ силжиб ётиб, ул халнинг ҳафсаласини росаям пир қилди. Бир неча кундан кейин эса тонг вақтида дарвозаларга кўпдан-кўп одам буюриб, губернтнинг ўзи кўп лашкар билан Бухоро йўли дарвозасига келиб, қалъани қамал қилишга киришди. Ичкаридан ислом лашкари тўпу туфанг отишга машғул бўлиб, ташқаридан эса кофирлар тўп зўри билан Тилло тўп дарвозаси яқинида ҳамла қилиб турганда, бирданига икки дарвозадан кофирлар бақириб-чақириб шовқин кўтарганча шаҳарга бостириб кирдилар. Шаҳар ичида қанча мусулмон бўлса, бесаранжомлик тушиб, ҳар ким бир тарафга югура бошладилар. Аммо барча йўллар тўсилиб, қутулиш учун бирор очиқ ўтарлик топмас эдилар. Уч томондан кофирлар мусулмонларни ўртага олиб, нечаларни тўп ва туфанг зарби билан уриб ўлдирдилар. Бу ўлганлар сонини санаб чиқиб бўлмасди. Аммо тахмин юзасидан ўн беш-ўн олти минг манғит сипоҳи ўз сардорлари билан бирга шаҳидлик даражасига етдилар. **Байт:**

Ҳар ки омад ба жаҳон аҳли фано хоҳад буд,

Онки пояндаи боқист худо хоҳад буд.

[Жаҳонга ким келса фано аҳли бўлажак,

Мангу қоладиган фақат Худо бўлажак].

Манғит одамлари кам журъатликдан ул балога гирифтор бўлдилар. Бўлмаса бунчалик одам журъат қилсалар эди кофирларнинг бошидан терисини шилиб олардилар. Вилоят куффор аҳли кўлига ўтди. Подшоҳ Диззах олинганидан уч кун сўнггина Бухородан Самарқандга етиб келди. Табиатида ғайрат ва ҳамият йўқлиги учун ўша жойда қолиб, ўзининг хунук номулойим ишлари билан машғул бўлди. Дай ойи ва қаҳратон қиш фасли ҳам деярлик етиб келган пайтда Ўринбург²¹²⁶ волийси ва Русия лашкарининг жанрол ва *амир лашкари* Кржановский Русия мулкига кетди. Бу ходисадан сўнг Бухоро амири Дашти қипчоқ султонлари авлодидан бўлмиш Сиддиқ тўра²¹²⁷ ибн Киносори тўрани бир неча минг пиёда ва отлик билан Оқмасжид сарҳадига чаповул уюштиришга юборди. Жавзо бошида икки юзга яқин нафар русия қаровули Оқмасжид қалъасидан Нажори ота худудига Сариф булоқ мавзесига келиб, улардан ажралиб олдинроқ кетган озгина фавж Сиддиқ тўранинг мулозимларига йўлиқиб, русиядан ўн уч киши ўлиб, олти нафар асир бўлиб, қолганлари эса қочиб қутулди. Сиддиқ тўра асирларни ўша хушхабар билан бирга Бухорога юборди. Ўзи то Оқжар мавзеигача бориб қайтиб келди. Шунингдек Самарқанд волийси Бухоро амирининг буйруғига кўра муҳолифат ҳаракати билан янгидан русия кўлига кирган ва русларнинг истехкомига айланган Диззах

²¹²⁵ 1866 йил 1 ноябрь.

²¹²⁶ Ўринбург/Ўринбур/Оренбург – Урал дарёси бўйидаги шаҳар. Илк бор 1735 й.да Ўр дарёсининг Ёйиқ (ҳоз. Урал)га қуйилиш жойида вужудга келган (номи шундан); 1743 й.дан ҳозирги ўрнида. XVIII-XIX асрнинг 1-ярмида ҳарбий чегара линиясининг асосий истехкоми; 1744 й.дан губерня, 1782 й.дан Уфа ноиблиги (наместничествоси)нинг маркази, 1796-1801 ва 1865 й.дан губерня маркази. Казак кўшинларининг ҳарбий ва маъмурий маркази (1748 й.дан). 1850-81 й.ларда генерал губернаторлик маркази.

²¹²⁷ Сиддиқ тўра, Тойчиқ тўра ва Аҳмад тўра – булар Аблайхонни катта ўғли Кенасари Қосимов (1792-1847) нинг ўғиллари бўлишган. 1837-1847 йиллар давомида Ўрта жуз хонлари ҳукуматини тиклаш учун Россия ва Қўқон билан кураш олиб борган. Сиддиқ тўра (1837 оламга келган) 1864 йилдан Шарқий Туркистонда Хитой ҳукуматига қарши курашда фаол иштирок этиб, Қўқонга қайтган. Акаси Арслон тўра билан бирга қозоқларнинг дуғлат ва арғин уруғлари иштирокида Тошкент мудофаасида иштирок этган. 1865 йили Қашқарга кетган, 1867 йили Бухорога қайтиб амир Музаффар хизматида бўлган. 1868 йили амирнинг катта ўғли Абдумалик тўранинг отасига қарши курашига ёрдам берган. 1877 йили Бадавлат вафотидан сўнгра Қошғардаги Хитойга қарши ҳақракатларда қатнашиб, мағлубиятдан сўнгра Туркистонга қайтиб, 1888 йилдан Чимкент уездидаги Арис дарёсининг бўйларида яшаган.

қалъасига бир неча минг кишилиқ кўшин жўнатди. Улар қамалга машғул бўлиб, русларни шу жихатдан танг аҳволга солдилар. Бир тарафдан элчи юбориш ишлари ҳам амалга ошиб турди. Оренбург шахрида Бухоро амирининг вакил ва расули билан сулҳ қилиниб, Русия тасарруфи остига кирган Янги кўрғон сарҳадини ва Янги кўрғонни Бухоро амирига қайтариб бердилар. Бухоро амири эса Диззахни русия кўлида қолдирди. Бухоро элчиси Бухоро тарафга ... маншурини ...қайтиб келди. Бу гап-сўзлар асносида ул вилоятга фатарот етиб, вилоят элати ва Шахрисабз халқининг кўпи муҳолиф ... ва Бухоро подшоҳининг синглисининг болалари бўлмиш хўжазодалардан жуйборий тўраларини Шахрисабз ва Қарши одамлари ёнига солиб, Шахрисабзга келтирдилар. Шу сабабдан подшоҳ Самарқандда халқининг бундай журъатидан дарғазаб бўлиб, кўп сиқилиб қойинди. Шу воқеалар оралиғида //336^a *хитой-қипчоқ* қабиласининг одамлари исён кўтариб, Миёнколотда бир неча даҳа ва далани то Дабус, Челак, Каттакўрғон²¹²⁸ қалъасигача олиб, аҳоли орасига кўп ғавғо ва талотўп солдилар. Подшоҳ уларнинг бу қаби журъатларидан анча маъюс тортганча ғамга ботиб, *қипчоқ* одамлари оёғига йиқилиб, кўп йиғи-сиғилар қилди. *Қипчоқ* халқи подшоҳнинг йиғисига орномуслари келиб, хитой қабиласининг катталаридан бир нечасини подшоҳга тутиб бердилар. Уларни Самарқандда қатлга етказиб, Шахрисабз томонга лашкар тортди. Масофаларни босиб ўтиб, Шахрисабздан тахминан уч фарсанг беридаги Жом қалъаси мавзесига етди. Юриш ғайратидан нокас жибиллятида ҳеч нарса қолмай, эзилган ҳолатда ўша ерда тўхтаб қолди. Биринчи марта сиёсат ва даҳшат билан элчи юбориб кўрганди, фойдаси бўлмади Ниҳоят сулҳ ишини ўртага солиб ва шунинг баҳонасида охиратни бу дунё учун сотиб, қайтиб Қарши томонга юрди. Шу воқеаларга яқин бир пайтда Русия пойтахтидан Ўрунбургдан буёғидаги Хўқанд ва Бухоро давлатидан руслар кўлига тушган вилоятларни алоҳида аёлат қилиб, бу ерлар учун Коуфман²¹²⁹ исмли жанролни волий ва *амир лашкари* сифатида тайин қилиб юбордилар. Русиянинг бу янги волийси русларнинг илгариги *амир лашкари* ва волийси Шерноиб²¹³⁰ тузган аҳдномани қабул қилмай, бу аҳднома бузилишига баҳона ва йўл излаб, Бухоро учун шартлари аввалгидан кўра оғирроқ бўлган аҳднома матнини тайёрлаб юборди. Шунингдек, унинг жавоби учун қисқа бир муҳлат тайин қилиб, агар Бухоро амири бу оғир шартли янги аҳдномани қабул қилмаса, бунинг руслар илгари кўлга киритилган ерлар билан кифояланмасдан, тагин олдинроқ юришлари учун урушга сабаб бўлажаги англанилди. Бухоро амири бу янги аҳдномани ўз давлати учун жуда оғир билиб, унинг жавобида бош қотирган кўйи ушбу сўзларни ўртага солиб, маслаҳат кўрилса ўша жавобни юбормоқчи бўлди. Унинг мазмуни шундай эди: «Русия давлати арбоби илгариги аҳд ва васиқалар борасида бир қарорда собит турмай, беқарорлик кўрсатса, келажакда унинг ўрнига янгидан *амир лашкари* ва волий сифатида бошқа бир шахс тайинланса, бу ҳам аввалгисидан қийинроқ аҳднома талаб қилса, у ҳолда борган сайин талаблар оғирлашиб, уларни бажариш бизнинг ҳукуматимизга катта ва кўп зарар етказаверади. Шу тариқа Русия вақт ўтиши билан бизнинг салтанатимизни бутунлай орадан кўпориб ташламоқчи, деган қарашлар вужудга келади. Шу сабабли ўз ихтиёримиз билан биринчи аҳдномани ўзгартирмаймиз, илгариги аҳдни бузмаймиз. Агар собиқ аҳдни Коуфмон қабул қилмай, ўзича шунга тиришса, бу ярамас иш унинг номи ва шавкатига доғ тушириб, айби аҳд бузувчига бўйнида қолади». Машварат мажлиси ҳали тугамай ва Коуфмон номасига жавоб ёзилмай, бир минг саккиз юз олтмиш // 335^b саккизда (1868) мелодий Жаддий буржи бошида русия аскарлари Диззахдан чиқиб Бухоро худудига кирди ва Ўҳум қасабаси навоҳисигача келиб, у ердаги Бухоро раияти бўлмиш аҳолининг уй-жойларига ўт қўйиб, мол-мулкини куйдириб-ёндириб, яна Диззахга кетди. Шунингдек, бир минг саккиз юз олтмиш саккиз мелодий санада Офтоб Ҳамал буржида пайти бир неча даста русия аскарлари иккинчи мартта Ўҳум қасабасига бориб, Бухоро кўшинидан шу қасабада *қаровулликка* келган бир неча дастаси устига босқин уюштириб, бухороликларни янчишга киришдилар. Челак ҳокими бухороликларга ёрдамга келиб, руслар билан кичик бир уруш қилиб қайтиб кетди. Офтоб Савр (Хур)

²¹²⁸ Каттакўрғон – Бухоро Миёнколидаги асосий қалъа ва маъмурий марказ бўлган. Самарқанд вилоятидаги шаҳар.

²¹²⁹ Коуфман, матнда Кофман – К.П. Кауфман (19.2 (2,3) 1818-4(16) 5.1882. Тошкент). рус ҳарбий муҳандис-генерали, генерал-адъютант(1864). 1867 йилдан Туркистон ҳарбий хавзасининг кумондани ва генерал-губернатори. Кўкон (1874-76), Бухоро (1868) ва Хива(1873)га қарши уюштирган босқинчилик юришларга раҳбарлик қилган.

²¹³⁰ Шерноиб – Генерал Михаил Григорьевич Черняев. (1828.21.10(3.11) -1898.4(16)).8, Тубишки кишлоғи, ҳозирги Белоруссиянинг Могилёв вилоятида оламга келган рус мустамлакаси ҳарбий арбоби, генерал-лейтенант (1882). Дворян оиласида туғилган. Ҳарбий академияни тугатган (1853), Қрим ва Кавказ урушларида қатнашган. 1864-65 йилларда алоҳида Ғарбий Сибирь отрядига кўмондонлик қилиб Кўкон хонлигига қарашли Авлиёота, Чимкент ва Тошкентни босиб олган ва Россия империяси таркибида янги ташкил этилган Туркистон области ҳарбий губернатори этиб тайинланган. Тошкент Россиянинг кейинроқ Ўрта Осиё хонлиқларини босиб олиши учун таянч пунктига айлантирилган. Мансабини суиистеъмол қилгани учун 1866 йили истеъфога чиқарилган. Черняев Тошкентни босиб олишда ҳам, губернаторлик фаолияти даврида ҳам Россия ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини изчил амалга оширишга ҳаракат қилган.

буржининг ўн саккизинчи даражасида Туркистон сипахсолори Коуфмон русиянинг тахминан беш минг низомий аскарлари билан Тошкандан Самарқандни эгаллаш ниятида ҳаракатга келди. Бир неча кун Дизахда қўшин тортиш ишлари тайёргарлигини кўриш учун тўхтаб, Жавзо бошларида Зарафшон дарёси дараси яқинига етди. У ерда амирдан элчи келиб, Коуфмон тартиб ва танзим қилиб, Бухоро амири ҳузурига юборган, Бухоро амири эса аҳднонинг айрим моддаларини ўзгартириб, аввалгисига тўғирлаган мазкур янги аҳднони ўзи билан келтириб Коуфмонга берди. Коуфмон элчига: - Ҳар ҳолда бугун юриш учун отланганмиз, шом вақти бирор манзилга етиб бориб тушамиз. Ўша ерда аҳд шартлари юзасидан музокара қилиб, сўнг жавоб берамиз, - деди. Коуфмон олдинроқ келиб, Зарафшон дарёсининг у томон қирғоғида тепа устида Бухоро сипоҳини кўрди. Рус сипахсолори Коуфмон элчига «сенга икки соат муҳлат бераман, бир қосид юбориб, Бухоро қўшинини бизнинг олдимиздан қайтарасан то бизнинг аскаримиз монеликсиз Зарафшон дарёсидан ўтиб ва бир манзил тутиб, ўша ерда сен билан сулҳ хусусида музокара қилсак» деди. Элчи бир қосид юбориб, бу хабарни Бухоро амирлари арзига етказди. Улар Коуфмоннинг бу гапига ишониб, русларнинг Зарафшон дарёсидан ўтишига қаршилик қилмадилар. Коуфмон рус аскарлари билан дарёдан ҳеч жанжалсиз ўтгач, сулҳ музокараси умидида кутиб турган Бухоро қўшинига бирданига ҳамла қилиб, табиийки, ғафлатда қолган мусулмонлар мағлубиятга учрадилар. Шу маҳалда Коуфмон Бухоро элчисига янги сулҳнома аҳдини қабул қилмагани борасидаги қатъий жавобини бериб, орқасига қайтарди. Алданган содда элчи Бухорога маънос ҳолда қайтиб кетди. **Байт:**

Фиристода бояд ки доно бувад,
Ба гуфтан далеру тавоно бувад.
[Юборилган элчи доно бўлиши керак,
Сўз айтишида довурак, тавоно бўлиши керак].

Бухоро қўшини Самарқандга кириб, йўналиш жиловини Бухоро тарафга бурди. Эртаси куни самарқандликлар руслар билан сулҳ қилиб, Русия давлати ўтган замонда амир Темурнинг пойтахти бўлган Самарқандни ўз тасарруфи остига киритди. То Жавзо ўртасигача Ургут шаҳри, Челак қалъасини ҳам истило қилиб, Коуфмон бир неча даста аскарни генераллик амирлиги остида //337^a Каттакўрғонни эгаллашга жўнатди. Учинчи куни рус аскарлари Самарқанддан саккиз фарсах масофа наридаги Каттакўрғонга келишди. У ернинг ҳокими Якуббек шаҳарни ташлаб қочди. Русия аскарлари урушсиз Каттакўрғонни ишғол этди. Ўша вақтда Коуфмон ҳам Каттакўрғонга келиб, вазиятни ўргангач, яна Самарқандга қайтиб, бир неча даста аскарни Самарқанддан икки фарсах наридаги Қаротепа қалъасини забт этиш учун юборди. Шаҳрисабз сардори бир неча минг пиёда ва отлик билан буларнинг олдида чиқиб, русларга қарши андаккина жанг қилгач, орқасига қарамай қочди. Руслар Самарқандга қайтиб келишгач, бу жангда шаҳрисабзликлардан кўпчилиги ҳалок этилгани маълум бўлди. Мирзо Самарқандийнинг айтишича, руслардан фақат эллик нафари ўлган экан. Офтоб Жавзо буржининг охирида пайти Бухоро қўшини Зирабулоқ мавзесида йиғилиб, Каттакўрғон қалъасини қайтариб олишга жазм қилганларида, бу хабар Коуфмонга етиб, Самарқанддан бир неча даста рус низомий аскарлари билан ва бир неча аравали тўп воситасида Бухоро қўшинига қарши жанг қилиш учун Каттакўрғонга етиб, у ердан Зирабулоққа келди. Бухоро сипоҳи Зирабулоқ мавзесида Бухоро йўлига уланган тепалик устида саф тортган эдилар. Коуфмон русия аскарини икки қисмга ажратиб, ўнгу сўлдан ҳамла қилиб, бухороликлар русиянинг низомий аскарлари тўпу туфанлари оташига тоб келтира олмай, орқага қараб қочдиар. Шу урушда ҳозир бўлган одамларнинг сўзига қараганда, бухоролик пиёда ва отликдан минг кишидан кўпроғи талаф бўлиб, русия талафоти икки юз нафардан сал кўп экан. Коуфмон Зирабулоқда бухороликлар билан урушга машғул бўлиб турган вақтда *мингия*²¹³¹ ва *хитой-қипчоқия* ва шаҳрисабзлик *кенагас* қабилалари сардорлари иттифоқ бўлиб, катта қўшин билан Самарқандни фатҳ қилиш учун келиб, амирлик саройи атрофидаги ички қалъанининг Самарқанд дарвоза ва Бухоро дарвоза, деб аталувчи дарвозаларини муҳосира қилиб, қалъа деворининг бир неча жойидан раҳна солиб, кучли ва мардона сайъ-ҳаракат бажо келтириб, русияни жуда танг аҳволга солган эдилар. Агар икки-уч кун ижтимоий ҳайъат ва иттифоқ билан шу зайл муҳосира қилсалар эди, Самарқандни русия тасаллутидан қутариш эҳтимоли кўпрак эди. Аммо

²¹³¹ Мингия, минглар – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Ҳозирги Самарқанд вилояти, қисман Фарғона водийси ҳамда Бухоро воҳасида, тарқоқ ҳолда Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод, Денов туманларида, Хоразмда ва Тожикистоннинг Ҳисор туманида яшаганлар. Зарафшон водийсида яшовчи минглар учта йирик уруғга, бу уруғлар, ўз навбатида, яна бир қанча кичик уруғларга бўлинган: 1) туғали (ахмат, чағир, тўйи намоз, оқшиқ ва б.); 2) боғлон (чибли, қора, мирза ва б.); 3) увоқ тамғали (алғол, чаут, жайли, ўрамас, тўкнамоз, кию-хўжа, ярат) уруғлари. Минглар бошқирдлар таркибига ҳам кирган. Қўқон хонлари минглардан бўлган. Бухоро воҳасида яшаган минглар ҳам Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Хонликдаги муҳим мансабларни мингларнинг беклари эгаллаб келган. Ўратепа ва Ургут беклари ҳам минглардан бўлган.

Мовароуннаҳр халқининг бошида бор бахтсизликдан бу барча ҳаракатлар ва жонбозликлар ва машаққат оқибатда натижасиз бўлди. Бухоро сипоҳининг Зирабулоқ мавзесида енгилганини эшитганлари заҳоти сабот ва мардоналиклари ларзага келиб, аввал шахрисабзлик *кенагас* қавми ва бошқа айрим тойифалар қамалдан қўл тортиб, ён-атрофга тарқалиб кетишди. Бинобарин айтмишлар, **байт:**

Лашкари пароканда наояд ба кор,
Ду сад марди жанги беҳ аз сад ҳазор.
[Тарқоқ кўшин ишга ярамайди,
Икки юз уруш кишиси юз минг оддий одамдан яхшироқ].

Қолганлар беш кундан кейин қамалга жаҳду жадал қилиб, аммо Коуфмоннинг Самарқанддаги русларга ёрдам учун қайтиб келаётгани маълум бўлгач, қамалдан қўл тортиб ўз ватанига қайтиб кетдилар. Бу жангларни ўз кўзи билан кўрган самарқандликларнинг айтишича, иттифоқчи ўзбекия сипоҳи кўп талафот кўрган, русиядан қариб икки юз етмиш киши ҳалок бўлган. Бир минг саккиз юз олти еттинчи (1867) мелодий санада Саратон ўрталарида зафарсиз амир Музаффар билан Туркистон сипаҳсолори Коуфмон ўртасида сулҳ рўй бериб, Бухоро амири Дизах ва Самарқанд, Каттакўрғон ва унга қарашли ерларидан қанчаси русия тасарруфига кирган бўлса, русияга бериб, яна шунга қўшимча аскарнинг катта жарима харажатини ҳам ўз зиммасига олиб, Бухоро мамлакатада тинчлик асосларини таъмин ва таъсис қилиб, мазкур санада Офтоб Далв буржи охирларида пайти сулҳдан олти ой олдин Бухоро амири билан Фарғона хони Саййид Муҳаммад Худоёрхон баҳодир ғозий ва Туркистон сипаҳсолори Коуфмон ўрталарида ҳам сулҳ тузилиб, адоват ва хусумат йўқолиб, мамлакатларнинг тижорат ишларида хавфсизлик ва тинчлик ўрнатилди. Қон тўкилиши ва мулк, маданият хароблигига сабаб бўлувчи жангу жадал ўртадан кўтарилди.

Бу ҳол ва ҳолат орасида //337^б амир Музаффархон Бухорийнинг Қарши волийси бўлиб ўтирган тўнғич ўғли Абдулмалик тўра Шаҳрисабз сардорлари ва кенагас тойифаси бошлиқлари ҳамда Сиддиқ тўра ибн Кеносорий тўра Облой султоннинг иғво ва ихтилоли билан Бухоро салтанати амирлигига даъво қилган кўйи ўз отаси амир Музаффарга қарши қўзғалиб, ёғийгарлик йўлига кирди. Амир Музаффар Бухородан сипоҳ ва сарбоз билан ўз ўғли дафъи учун Қарши тарафга юриш қилди. Қарши саҳросида Абдулмалик билан уруш бўлиб, Абдулмалик тўранинг кўшини енгилди. Абдулмалик Шаҳрисабз томонга қочди. Отаси ўғли кетидан таъқиб қилиб кетиб, Шаҳрисабз қалъаларидан бири бўлмиш Чирокчи қалъасини қамал қилди. Ўғлини чақириб, Шаҳрисабз волийси билан яраш сўзларини ўртага солишга киришди. Ҳали бу иш охирига етмай туриб, Сиддиқ тўранинг қўзғолони кўтарилди ва унинг Нурото, Кармана қалъасини Абдулмалик тўра номига эълон қилгани амир Музаффарнинг қулоғига етиб, бу бузғунчи фитна сабабидан Чирокчидан қайтиб, бу даҳшатли ходисани дафъ этиш учун Самарқанд волийси бўлмиш рус генералидан ёрдам сўради. Генерал русия черикини Бухоро амирига ёрдамчи билиб, амирнинг мадад борасидаги илтимосини қабул қилиб, бир неча даст аскар билан Самарқанддан то Жом сарҳадигача келди. Шаҳрисабз волийси русия аскарининг ўз сарҳадига кирганидан огоҳ бўлиб, руслар Шаҳрисабз вилоятини олиш қасдида келишган, деган ўй ва тасаввур билан Чирокчидан Шаҳрисабзга қайтди. Абдулмалик тўра ҳам Қаршига қайтди. Бухоро амири бу ҳолатдан фойдаланиб, Сиддиқ тўранинг дафъига йўналиб, Сиддиқ тўрани енгилди, фасод ва қўзғолонни андик таскин топтириб, Бухорога қайтди. Қаршида турган Абдулмалик тўра ҳар тарафдан тарқалиб кетган кўшинни йиғиб, яна қўзғолон бошлади. Бухоро амири иккинчи марта Самарқанд генералидан ёрдам сўраб, Самарқанд генерали Жом сарҳадидан бир неча даст аскар билан аравали тўплари билан Қаршига бориб, Офтоб йигирма биринчи даража Ақраб пайти Абдулмалик тўра билан урушиб, шикаст берди. Абдулмалик тўра Қаршидан қочиб, сипоҳи эса пароканда бўлдилар. Ақраб охирларида рус генерали Қаршини Бухоро амирининг маъмурларига топшириб, Самарқандга қайтди. Бухоро амири истиқлол топиб, ҳукумат ва кишвари янгидан тараққий топди. Шу вақтда Шаҳрисабз ҳукуматдори кенагас тойифаси раислари Кештут ва Фороб аҳолиси раисларини русияга қарши гиж-гижлаб, Кештут ва Фороб ва Моғиён²¹³² раислари русларнинг айрим қаровуллари ва отлиқлари устига чопқин уюштирдилар. Шунингдек уларга ёрдам учун Ҳайдархўжа номли кишини бир неча даста шахрисабзлик сипоҳ билан юбориб, Ҳайдархўжа Самарқанд сарҳадида //338^а йўлиққан русия отлиқларини чопқилаб, бир неча нафарни ярадор қилди. Шу сабабдан Самарқанд жанрол волийси ғазабланиб, Туркистон сипаҳсолори Коуфмонга бу аҳволотни маълум қилди. Туркистон сипаҳсолори Шаҳрисабз юришини хуфия тарзда тайёрлаб бориб, уруш билан ул вилоятни эгаллаб, Бухоро амирига топширишларини буюрди. Самарқанд

²¹³² Кештут, Фороб ва Моғиён – ҳозир Тожикистоннинг Панжакент ноҳиясидаги қишлоқлар жамоа марказлари.

генерали сафар олотиини мухайё қилиб, амир Музаффарни бу сирдан хабардор қилиб, ўз аскарини икки фавжга тақсимлаб, Сунбула буржининг еттинчи даражасида биринчи фавжни Жом томонидан жўнатиб, иккинчи фавжни икки кундан сўнг Қаротепа теаплиги йўлидан ҳаракатга келтириб, ҳар икки фавж Китоб қалъаси яқинида бир-бирига қўшилдилар. Русия аскарлари қалъага яқин бўлган Ўрус кишлок мавзесида тушдилар. Сунбуланинг ўн учинчисида русия кеча-ю кундуз аскар ва тўпхонасини муҳим нуқталарда жойлаштириб ва қалъа олишлик ишларига машғул бўлиб, шаҳар ва қалъани иккита қилиб, тўплардан ўт очишни бошлади. Ярим кечадан сўнг русиядан бир нечта рутба қалъага юриш ва чопиш қилиб, хандаққа етиб олдилар. Шу вақтда қалъа халқи хабардор бўлиб, русияни ўқлар ёмғирига дучор қилган кўйи мудофаа урушига ҳаракат қилдилар. Русларнинг бир неча дастаси посбонлардан холи бўлган бошқа томондан қалъага нарвонлар қўйиб, қалъа тепасига кетдилар. Бошқа бир дастаси ясаган тешиклари орқали қалъага кириб олдилар ва шаҳарнинг олдларига дуч келган бино ва иморатларига ўт қалаб, шунинг ёруғида умумий кўчага йўл топиб ва рус отлиқлари Работак дарвозасини синдириб кириб ҳар тарафдан шаҳар ичкарасига ёпирилдилар. Қалъа аҳолиси ўзларини бало денгизи ўртасида кўргач, турли йўллардан уруш сола-сола, орқага чекнардилар. Руслар иморат ва биноларни ёндириб, қаерда шаҳар халқи захира қилиб қўйган пичан, ўт бўлса хабар топиб, ўт қўйиб, шунинг ёруғида олға юрардилар. Шу зайл қоронғуликдан тонггача уруш-саваш чўзилиб, чоштгоҳ вақтидагина руслар тўлалигича шаҳарни тасаллут қўлига киритдилар. Бу воқеада шахрисабзликлардан беш юз нафардан зиёди шахидлик топиб, жуда кўп одам ярадор бўлди. Бу урушда қатнашиб, уни ўз кўзи билан кўрган эътиборли кишилар гапига қараганда, руслардан деярлик бир юз эллик нафари талаф бўлиб, ўттиз адад тўп ва нокдор фатилали туфанг ва ҳар туғдан кўп захиралар руслар қўлига тушган. Сунбуланинг ўрталарида Самарқанд генерали шаҳарга кирди. Шаҳар аъёнларини топтириб келиб, Шаҳрисабз ва унга тобе ерларнинг Бухоро амириликка қўшилгани ва Бухоро амири ҳукмронлиги остига кирганини эълон қилиб, раоёга бўйсунуш ҳақидаги фармонни етказиб, тинчлантиргач, қайтиб Китобга етиб, амир Музаффар Баҳодирхон томонидан Бухородан Шаҳрисабз ва у ер ҳукумати ишлари тартиб-назми учун тайин қилиб юборилган маъмурият кишилари ва зобитлар билан мулоқот қилиб, Шаҳрисабз вилоятини Бухоро амирининг ана шу мутасаддиларига топшириб, Самарқандга қайтди.

Шу аснода Самарқанд жанроли қулоғига Шаҳрисабз волийси Бобобек *парвоначи* Ҳакимбий ўғли²¹³³ ва унинг нойиби Жўрабек *додхоҳ* Қаландар *эшик оғоси* ўғли²¹³⁴ Боғбон қасабасида пароканда сипоҳдан уч минг киши йиғиб, //338^б агар русия аскарлари Шаҳрисабзни бухороликлар ихтиёрига топширса, иккаласи уни яна қайтариб олиб, бухороликларни у ердан қувиб чиқаришни кутиб туришибди, деган хабарлар етишди. Бинобарин, жанрол Китобдан Форобга борди. У ерда Шаҳрисабз волийси ва унинг сипоҳидан ҳеч бир асар топмай, Фороб аҳолисига «бундан кейин уларнинг қасабалари тавобеси билан бирга уруғининг барчаси Самарқанд музофотида тааллуқ топиб, қўшиб олинажаги ва уларнинг русия қарамоғига кирганини» эълон қилди. Шунингдек бир маъмурни бир фавж аскар билан Моғонга жўнатиб, бу мазмунни у ернинг аҳолисига эълон қилиб, бу ишлардан фориғ бўлгач, Самарқанд жанроли ўз аскарлари билан Самарқандга кетди. Шаҳрисабз волийси Бобобек ака-укалари ва ўз нойиби Жўрабек *додхоҳ* ва бошқа мулозимлари билан бир неча вақт саргардон бўлиб, Фарғона мамлакати худудига кириб, ўзининг Фарғонага келганидан Худоёрхонга хабар бердилар. Жаноб Худоёрхон бу хусусда амирлар билан маслаҳат қилди. Хоннинг укаси Султонмуродбек ва кўпчилик амирлар ва вазирлар биргалашиб арзга етказдиларким, агар Шаҳрисабз волийсини Фарғона саройида қабул қилсак, Бухоро амири Русияни бизга қарши гиж-гижлаташи аниқ. Шунда Русия Шаҳрисабз волийсини албатта талаб қилади. Агар уни Русия қўлига юборсак, у ҳолда бадном бўламиз. Русиянинг илтимосини рад қилган тақдирда русларнинг аҳдногани бузишлари учун баҳона ва сабаб топилади. Иложи шуки, Шаҳрисабз волийсининг сафар зарурияти ва йўл эҳтиёжларини ёрдам тариқасида бериб, бир неча кун меҳмоннавозлик бажо келтириб, сўнг Кошғар тарафга ўтказиб юборайлик.

Бу тўғри маслаҳат қабул қилинган, саройдаги ишончли одамлардан бирини меҳмондорлик зиёфати ва мазкур узрни етказиш учун сафар лавозимлари бўлмиш пул ва зарур буюмларни ёрдам тариқасида юбордилар. Топшириқ олган мазкур маъмур Шаҳрисабз волийси Бобобек олдида бориб, воқеани маълум қилиб, иона-ёрдам сифатидаги пул ва турли хил буюмларни топширгач «Фарғона ҳукмдори мавжуд аҳдномага кўра сизларни Хўқандда сақлаб туришдан андиша қилмоқдалар. Бир неча кун Фарғона худуди четида истиқомат қилсангизлар. Биз эса маҳмондорлик шартларини шу

²¹³³ Бобобек парвоначи Ҳакимбий ўғли – 1872 йилгача Китоб беклигининг ҳукмдори.

²¹³⁴ Жўрабек додхоҳ Қаландар эшик оғоси ўғли – 1872 йилгача Шаҳрисабз беклигининг беки. Тошкентда рус генерал-майори унвонида вафот этган.

ерда бажо келтирайлик. Сўнг агар Кошғар тарафига кетсангиз то унинг худудигача сизни кузатиб қолайлик» деди. Шаҳрисабз волийси келган мазкур маъмурга «Бизнинг Кошғарга ўтиб кетиш истагимиз йўқ. Шаҳрисабздан бу томонга Бухоро амиридан қўрққанимздан қочиб келдик. Бухоро амири бизнинг ўтган ота-боболаримиз ва улуғларимиздан кўпини ўлдирган. Бизнинг қавм билан Бухоро амири ўртасидаги эски адоват жонланиш эҳтимоли ва жанролнинг Бухоро амири билан қалин дўстлиги борлигини назарда тутиб, Самарқанд жанроли олдига бориб, таслим бўлишни лозим топмадик. Агар Самарқанд волийси олдига борганимизда эди, эҳтимол Бухоро амиридан ришва олиб, Туркистон сипаҳсолори Кофман ҳузурида саъй-ҳаракатлар қилиб, бизни Бухоро амирининг қўлига топширган бўларди. Агар ҳазрат Фарғона хони бизни ўз қаноти остида Коуфмон олдига жўнатсалар, барисидан яхшироқ бўлажак. Биз учун тўғри йўл ва нажот Самарқанд жанроли ёки бошқалар воситасисиз Туркистон сипаҳсолори Коуфмон олдига бориб, ўзимизни топширишдир. Зероки Русия давлати буюк ва улуғвор тузумдан иборат бўлиб, унинг низом ва қонунида асирлар ва ўзи таслим бўлганларни ўлдирмоқ йўқ. Эътиборли одамлардан қайта-қайта эшитганман, турли хил вилоятларнинг тотор, черкас ва бошқа тойифалар ҳукмдорлари Русия қўлига тушганларида ўлимга буюрилмай, балки тарбият кўрганлар. Бинобарин, биз сафар саргардонлиги билан бошқа вилоятга бормаймиз. Тошкандга ва Русия қўлига таслим бўлишни маъқул кўрамыз. //339^a Агар Фарғонанинг жаноб хон ҳазрати бизни ўз элчиси билан Тошкандга юборсалар, биз хон ҳазратдан миннатдор ва хурсанд бўлажакмиз». Мазкур маъмур Шаҳрисабз волийсидан бу сўзларни эшитгач, жаноб хон ҳузурига келиб арзга етказди. Соғлом кўнгилли жаноб хон Шаҳрисабз волийси илтимосини қабул қилиб, йўл эҳтиёж ва харажатларини хазинадан юборди. Шаҳрисабз волийси Бобобек *парвоначи* Ҳакимбий ўғлини айрим хос мулозимлари ва унинг нойиби Жўрабек *додхоҳ* Қаландар *эшик оғоси* ўғли билан Хўқанддан элчи қўшиб, Тошкандга жўнатди. Шаҳрисабз волийсининг бошқа қариндош-туққанларини унинг Бухоро амири хавфидан қочиб, Бобоек *парвоначи* билан бирга Фарғона мамлакатига келган мулозимлари билан бирга барчасининг маошини илтимос ва кўнгиллари тўсганча хазинадан тайинлади.

Бу воқеалар баёнидан сўнг шу ўринда илгари айрим аҳволотини айтиб ўтганимиз Бухоро амирининг тўнғич ўғли Абдулмалик тўранинг замона гардиши билан рўй берган саргузаштидан бир бўлагини қисқача баён қилишимиз муносиб кўрилди. Амирзода Абдулмалик тўра ғозий Самарқанд жанроли билан Қаршида жанг қилиб, шикаст топгандан кейин илоҳий ирода билан бир неча вақт Урганж ва Афғонистон тарафларда мусофират заҳматини чекиб, у ердан қайтиб келиб, Фарғона мамлакати хошиясига келиб қўниб, бир неча кун Фарғона ҳукмрони жаноб хоннинг меҳмони бўлиб, ўз хоҳишига кўра Кошғар тарафга ўтиб, бироз муддат ўша ерда истиқомат қилиб, соғ-омон Буюк Британия давлати паноҳига кетди. Айрим эътиборли кишиларнинг ривоятича, сўнг Маккаи мукаррама зиёратга кетган эканлар. Шу кунларда маълум бўлмоқдаки, ул олий ҳимматли фозил амирзода ҳозир Ҳиндустонда иззат ва соғ-саломатлик ўриндигидадир. Бу ҳам ғаройиб воқеалар баёни жумласидан бўлгани сабабли қисқача тарзда айтиб ўтилди. **Муаллифдан:**

Қаҳат соли ба ин ҳоли дили мо,
 Ба болояш талотум мавжи сармо.
 Бо ин ҳолу равиш гаштем алҳол,
 Илоҳо бар расонад дар сари сол.
 Вилоятро ба арзони омон бахш,
 Жаҳнободии мулки замон бахш.
 Ки минбаъде нахоҳам, набинам,
 Адуви мамлакатро тарсу аз бам,
 Дуои жони Аттори ҳазинро,
 Ижобат соз кулли ин сарзаминро.
 Ба таърихаш навиштам хатм кардам,
 Зи каж аз рави бар омад рост кардам.
 Ба таърихаш мувофиқ лойиқ омад,
 Ҳуруфаш бо дилам содиқ омад.
 Арузу қофия ҳаргиз надидам,
 На лаззоти шеърашро чашидам.
 Агар чандеки ин Аттори хом кор,
 Ба лутфу марҳамат доим умедвор.
 [Қаҳатчилик эзиб турганда дилимиз,
 Устига совуқ тўлқини ҳам кўпириб.

Шу ҳолларда қолдик биз ушбу дам,
Илоҳим, етказ кейинги йилга омон.
Вилоятга арзончилик ато эт ўзинг,
Замон элига жаҳон ободлик еткар.
Бундан сўнг керакмас, кўрмай ҳеч,
Бу балолардан сўнг тинчлик етказ.
Мамлакат душманини қўрқит,
Ҳазин Атторнинг дуои жонини,
Бу барча замин ҳаққида ижобат қил.
Таърихи билан ёздим, тугатдим,
Эгри йўлдан чиқди, тўғри қилдим.
Таърихига мувофиқ лойиқ бўлди,
Ҳарфу сўзлари дилимга тўғри келди.
Арузу қофиясини кўрмадим ҳеч,
Шеъри лаззатини татимадим ҳеч.
Гарчи хом ишли бўлса-да бу Аттор,
Марҳамату лутфдан доим умидвор].

Бир минг икки юз саксон тўртинчи (1284/1867-68) йилда замонамиз бахти жаноб Худоёрхон бозор расталари ва катта сарой, панба (пахта) ва каппон саройини бино қилиб, яхши тартиблар берди. Бу бинолар таърихини мулло Ниёзмуҳаммад қуйидагича топиб, мадҳ ва қасида тариқасида назм ипига териб, замон хони ҳаққида адо қилган. **Таърих:**

Растаҳои бозору саройи калон,
Ва саройи пунба ва каппон.
Шоҳи диндори маъдилат кирдор,
Бахт фируз, майманат осор.
Фуқаропарвар масокин жуй,
Мушфиқи уламо, шаҳи диндор.
Аз падар то падар ба тахти шаҳи,
Бинишаста ҳама ба ин кирдор.
Гуҳари ту зи кони султоний,
Жавҳари асл эй дурри шахвор.
Аз бани Шаҳрухий дар ин авранг,
Мисли ту шаҳ надида ин дарбор.
Онки бар ту мекард бе одобий,
Адабаш дод ҳазрати Қаҳҳор.
Бар андеш дар ҳулҳило,
Дар хаёли оварад //339^б ба ту аҳрор.
Сари он шумро бибардорад.
Аз каж андеш доштаи хунхор.
Онки аз лутфи ҳақ азизи ёфт,
Душманонаш шаванд бешак хор.
Маълум аз номи ин шаҳи диндор,
Шуда имдоди ҳақ ба ин шаҳриёр.
Мадҳи авсофи шоҳро гуфтан,
Пансад сол бошад умр бар ор.
Аз ҳазорон яке ба зўри забон,
Карданд итмоми он шаҳ ҳаст ҳушдор.
Шаҳи тождори Фарғона,
Ёдгори шаҳони олий табор.
Тожи шоҳий ҳамиша бар сари ту,
Зийнат афзойи домаҳу фи-д-дор.
Тобиши давлати ту дар сари мулк,
Кам нагардад чу меҳр нисф ун-наҳор.
Сари ин мулкро ба пояйи чарх,
Нур расонди ба зийнати бозор.
Буд бозор як шабхона,
Лутфи ту карда растаҳо гулзор.

Растаҳойе ки ҳама хулд ойин,
Дар шукуфт ҳамчу гул ба фасли баҳор.
Соҳиронро муаттар аст димоғ,
Ва зи атри даккокини аттор.
Ва зи жавонон ху бурди латиф,
Сурма аз хур бурда дар гуфтор.
Кардаанд он ҳама даккокинҳо,
Мисли гулҳо шукуфта дар гулзор.
Боз дар жавфи ин саройи сағир,
Манзари хужраҳо ҳама дарбор.
Ин ажабтар ки як саройи кабир,
Хонаҳо чун хазина аст пурбор.
Дурусташ карда низ пунба сарой,
Маа каппоне мисли вусъат дор.
Ғайри ободии вилоят нест,
Бар замири шаҳи вилоятдор.
Инак номии ин билоди мурод,
Аз саройи даккокини гулзор.
Ҳама шаҳрҳо бо ин тартиб,
Корд ороста шаҳи аброр.
Яке аз нодири карамот ин,
Эй зарифон, ба хирадии хушёр.
Ин биноҳо ки гашт мустаҳзар,
Ҳама дар ним сол шуд изҳор.
Норасиди бино ба такмилаш,
Ногузашта зи сол моҳи чаҳор.
Он бино боз монда аз пешин,
Назди инҳо муносиб заркор.
Боракаллоҳ ба хони шинос,
Монда дар сар надими коргузор.
Ки кунад кор мисли муздурон,
Кор фармое ки шавад саркор.
Вақти гуфтани сухан ба коргарон,
Чун падар карда шафқат истиҳзор.
Ҳайрат оварда халқ ин ҳамаро,
Ҳамчу ойина дил ки бе зинҳор.
Инчунин хосият ки маълум аст,
Ин ҳама аз хавоси хони кибор.
Васфи хони замон, шоҳи жаҳон,
Кай тавонад касе яке аз ҳазор.
Ман писари ғуломи ҳалқа ба гуш,
Доии давлат аст, маа ҳисор.
Хост аз сари ин иморатҳо,
Соли итмом то кунад изҳор.
Бар ман ҳамчун бигуфт пири хирад,
Акнун эй партави йум хушдор.
Инчунин аст банои таърихаш,
«Чаманистон ба зийнати бозор».
[Бозор расталари-ю, катта сарой,
Пахта-ю каппон сотиш учун омбор.
Барини қурдирди ул шохимиз,
Ки эрур диндор, адолат кирдор.
Бахти ғолиб, саодатга толиб,
Фуқаро севар, мискин парвар.
Уламога мушфиқ, шаҳи диндор,
Отодин ота тахт узра барқарор.

Ўтирар бу барча хислатга кон,
Гавҳари султонлик конидан.
Асл жавҳардир, бу шохвор дур,
Бани Шахруҳий наслидан эрур.
Ўтирар экан тахт узра устивор,
Бу сарой кўрмаган унингдек шох.
Унга ким одобсизлик этса изҳор,
Ул бебошга жазо бер, ҳазрат қаҳҳор.
Бошига тушса ёмон хаёл дарди,
Бошидан арит, эй ҳазрати жаббор.
Шум бошини эса дорга ошно қил,
Тўкмасин бегуноҳ қон ул хунхор.
Ҳақ лутфидан бахтиёрни ўзинг асра.
Душманлари бўлсин тору-мор.
Бу диндор шох номидан аёндир,
Ҳақдан мадад топгани бу шаҳриёр
Шох васфини айтмоқ учун билсанг,
Яна беш юз йил умр бўлур даркор.
Мингдан бирини айтай деса бу тил,
Тугамас мадҳидан ози ҳам зинҳор.
Фарғонанинг бу тождор шоҳи,
Олий насабли шохлардан ёдгор.
Шохлик тожи ҳамиша бошини,
Безасин, умр берсин дунёда пойдор.
Давлатинг порлаши юрт боши узра,
Турсин пешин қуёшидек нурдор.
Фалак остидаги бу мулк бошига,
Бозор зийнати билан нур сочдинг.
Бозор илгари бир тундек зим-зиё эди,
Қилди дутфинг расталардан гулзор.
Бу барча расталар жаннат қоидали,
Очилди гуллаб-яшнагандек баҳор.
Жоду кўзликлар димоғи муаттардир,
Атторлар дўкони сари топса гар бор.
Ёш-яланглардан латифлик ўмардинг,
Сўзингда ҳур сурмаси жилоси, Аттор.
Булар бари дўконларни айламиш,
Мисли гуллари очилган бир гулзор.
Кичик сарой-омбор ичидаги хужралар,
Кўринар чин саройлардек шавкатдор.
Шуниси қизиқ, катта саройи ичидаги,
Хоналар гўё ганжли хазинадек пурбор.
Пахта саройини ҳам қурдирди шох,
Каппон омбори билан бирга ёнма-ён.
Вилоятдор шох кўнглида йўқдир,
Вилоят ободлигидан ўзга ташвиш.
Мана бу мурод шаҳрининг номи,
Дўконлар саройидан бўлди гулзор.
Барча шаҳарларни шу тарбиб ила,
Қилди ораста бу шаҳаншаҳи аброр.
Нодир кароматдан намунадир бу,
Эй нозик таъб, зукко, аҳли хушёр!
Бу бинолар бари қад кўтариб, шу,
Ярим йил ичида бўлди намудор.
Бўлмаса бино битарми бир йилсиз,
Ўтмай тўрт ой булар қатор-қатор.
Эскидан қолган бинолар ҳам битди,

Муносиб бўлиб янгисига тезкор.
Офарин, иш кўзини билгувчи хон,
Ҳар иш бошига қўйди бир тадбиркор.
Жондан ишлайдиган иш буюрувчи,
Саркор ўзи, аммо худди мардикор.
Ишчиларга иш буюрмоқда сўз-ла,
Оталарча қилар шафқатини изҳор.
Ҳайрон бунинг барига халқ, гўё,
Ойнага боққан тўти, этмай сўз изҳор.
Бу хосиятнинг барчаси аён эрур,
Унинг боиси эмасми хони кибор.
Замон хони, жаҳон шоҳининг васфи,
Тугарми айтган билан мингдан бирини якбор.
Мен барча хизматга шай ғуломваччамен,
Давлат дуоси-ю, қалъаси олқишига тайёр.
Истадим бу иморатлар таъриhini,
Қилгали қулиши санасин изҳор.
Деди менга ақл пири шунингдек,
Баракати нури бахтидан, эй хушдор,
Қурилиши таърихи ушбу турур:
«Бозор зийнати билан чаманистон»].

Дониш аҳлининг кўнгилларига аниқ ва маълум бўлсинким, бу ерда «чаманистон ба зийнати бозор» сўзлари таърих моддаси(1284/1867-68) бўлиб келган.

Таърихи мадраси хони замон. Замон хони онаси, яъни марҳума Ҳоким ойим ўз ўлиmidан олдин хон ҳазратга бир мадраса қилишни васият қилганди. Хон волидаси васиятига амал қилиб, жомеъ масжидининг шарқий томонида бир олий мадраса бино қилдирди. Нозиктаъб уламодан бири унинг таъриhini шундай топган эди. **Таърихи мадраси Ҳоким ойими марҳума:**

Хон зи адл мураббии фуқаро,
Соҳиби тож ва аъзами кубаро.
Аз жулусаш ки ёфт тахт шараф,
Ҳам замин то ба гунбази воло.
Даме фориғ набуда аз кўшиш,
Аз мадорису масожид ва саро.
Ҳоким ойим ки буд модари шоҳ,
Марями соний, дўввум Соро.
Гуфт ба шаҳ ки нури чашми мани,
Лутфи Эзид шавад паноҳ туро.
Ҳар чи аз давлати ту ёфтаам,
Ончи аз жинсу мол аз ҳамаро.
Бар кудумат нисор кардам ман,
Ҳар чи хоҳи куни ту кун онро.
Шоҳ аз жўши шафқати модар,
Гуфт: кардам қабул ризои туро.
Кард амал бо васияти модар,
Оқибат кард сарфи хайр даро.
Баъд аз фавти модар андак рўз,
Нагузашта бинои мадрасаро.
Тарҳ дар сахни шарқии жоме,
Буд ашраф некўтаре ғабро.
Шаҳ биандохт пойдевораш,
Решаашро ки то бахти туро.
Ин бино ёфт ҳамчунон тартиб,
// 340^a Рафт то қуллааш ба фавқи ҳаво.
Пештоқи равоқ кунанд авҳам,
Сипари кард ба гунбади ҳазро.
Баъди такмили он бинои бузург,

Гуфт аз таъби худ як аз зурафо.
Инчунин Ниёзий²¹³⁵ таърихаш,
Гуфт бар ман ки «мазҳари уламо»²¹³⁶.
[Хон адолатда фуқаро мураббийси,
Тож соҳиби-ю, улуғлар муаззами.
Тахт унинг ўтиришидан шараф,
Топди ҳам ердан то олий гунбаз.
Сира тинчимиган ҳаракатдан,
Қуриб мадраса, масжид, саройлар.
Ҳоким ойим эрди шоҳ онаси,
Иккинчи Марям, иккинчи Соро.
Деди шахга: кўзимнинг нури ўғлим,
Худо лутфи бўлсин паноҳ сенга.
Не бўлса топдим сенинг давлатингдан,
Буюм, мол бариси сенинг шавкатингдан.
Айлай қадамингга нисор бугун,
Не қилсанг барисини ўзинг бил.
Шоҳ она шафқати жўшишидан,
Деди: ризолингни топай не десанг.
Қилди она васиятига шоҳ амал,
Этиб барисини хайрли ишга сарф.
Озгина ўтгач она вафотидан,
Мадраса биноти тарҳини Жоменинг,
Шарқий саҳнида этмакка киришди.
Бу ер шаҳарнинг энг текис юзи эди,
Шоҳ шу ерга ташлатди пойдевор.
Бу бино томир отиб ул манзилга,
Бўй чўзди осмон чўққисигача.
Равоқ пештоқи эрур хайбатли,
Ўтди кўк гумбаздан ҳам юқори.
Ул шукуҳли бино охирига етгач,
Зарифлардан бири деди таърих,
Қилиб менга дилдагини баён:
Таърихидир: Уламнинг йиғингоҳи].

Махфий қолмасинким «мазҳари уламо» таърих моддаси бўлиб келган. Мазкур мадрасанинг иккинчи таърихини эса қуйидагича топишган: **Иккинчи таърих:**

Гуҳари таърихе ки ман суфтам,
Рў неҳ лойиқ гаштам ба риштаи илм.
Эътимод ба айбпўшии худ,
Кардам ба хирадони соҳиби илм.
Аз хатопўшии шаҳи воло,
Кардаам ман умед бо дили ним.
Ман зи васфи бинои кўҳ мисол,
Ҳамчу гар сар аст ман заиф чу кирм.
Натавонам зи бузургии васфаш.
Ин биноро чун кўҳи Қоф аст ҳарим.
Таърихи дуввум ақл ҳамчун гуфт,
«Маъдани фузало ва кони илм»²¹³⁷.
[Мен тешган таърих гавҳарини,
Илм тизмасига лойиқ кўрдим.
Айбимни ёпишда боғладим умид,
Соҳиби илм ақллари лутфига.
Олий мансаб шоҳ ҳам кечар,

²¹³⁵ Ниёзий – Ниёзмухаммад ибн Ашўрмухаммад Хўқандий, шоир ва тарихчи. “Ибрат ул-хавоқин” асарининг муаллифи.

²¹³⁶ Тарих санаси 1287/1870 дир.

²¹³⁷ Тарих санаси 1287/1870 дир.

Гуноҳидан бу ярим кўнгиллининг.
Мен тоғдек бинонинг васфини,
Қандай этай адо мен бир хашорат.
Кўтара олмасман васф юкини,
Чу бу бино ҳарами гўё Куҳи Қоф.
Иккинчи таъриhini ақл топди:
«Фузало маъдани ва илм кони»].

Яширин қолмасинким, «маъдани фузало кони илм» таърих моддаси бўлиб келган.

Қаср ил-имораи дор ус-салтана таърихи ҳам мадҳ қасидаси тариқасида назм риштасига тортилиб, тизимга киритилганди. **Таърих**

Туйи ки зубдаи шоҳони мулки Турони,
Гарди пойи ту зебандаи тахти султони.
Шаҳони мулки Ажам дар рикоби ту бидаванд,
Ба роҳи бандагиият чун ғуломи эрони.
Ғубори сумми саманди ту сурмаи чашм,
Кунанд тождорони Ироку Турони.
Ба ҳукмронии олам туи мусаллами кулл,
Ба ман адли ту кам шуд зи мулк вайрони.
Чу нақши ойина зебанда гашт Фарғона,
Гирифт роҳи тамошои чашм ҳайрони.
Зи табъи анвари ту қасри осмон рифъат,
Кушода домани васъат чу арш майдоне.
Чу фоқи лангари кишти арз дар камоли виқор,
Шуда аст сар ба фалак суда тоқи айвони.
Чи гўям аз сифати хонаҳои рангинаш,
Нуқушҳо ки пур аз сунъи лутфи яздони.
Ҳазор сол ба тавсифи қаср агар кўшам,
Муяссарам нашавад аз ҳужуми нодони.
Бақои давлати умри ту бод чанди қарн,
Бар ин сар бар муалло Искандари сони.
Бўи гулшани такмили қасри боғи Эрам,
Димоғи ақл шикуфт чун гули баҳорони.
Жустужўи таърихи майманат осор,
Хирад шунид, бигуфт: «Шаҳнишини гулистони»²¹³⁸.
[Сенсан Турон мулки шоҳларининг қаймоғи,
Оёғинг ости чанги султонлик тахтининг безаги.
Ажам мулкининг шоҳлари югуришар узангинг остида,
Бандалигинг йўлида худди эронлик қулларга ўхшаб.
Самандинг туёғи чангини кўзга сурмадек,
Суртар тўтиё қилиб Эрону Турон тождорлари.
Олам ҳукмронлигига сенсан мутлақ даъвогар,
Адолатингдан йитди буткул юрт вайронлиги.
Ойна нақшидек безовчи бўлди мулки Фарғона,
Йўлингда ҳоким эрур фақат кўз ҳайронлиги.
Нурли кўнглинг туфайли осмон бўйлик қаср,
Кенглик этагини ёйди арши аълодек майдонда.
Кема лангаридек виқор ила ташламиш ёнбош,
Айвон тоқи бошини эса етказиб осмони фалакка.
Не дейин рангин хоналари сифати баёнида мен,
Нақшлари худо лутфининг санъатига бойдир.
Минг йиллаб тиришсам қаср тавсифига агар,
Муяссар бўла олмасман нодонлигимдан ахир.
Умринг давлати бақолиги бўлсин яна кўп аср,
Шу юқори тутган бошинг-ла, эй Искандари соний.

²¹³⁸ Тарих санаси 1287/1870-71 дир.

Эрам боғи қасрининг етук гулшани таровати,
Очди ақл димоғини баҳор гуллари сингари.
Бахт аломатли таъриhini излаб, ақл,
Эшитди дегач: Гулистон шахнишини].

Осмон мартабали олампаҳонинг байзо сифат нурли кўнгли ва бошқа маъно кашшофлари бўлмиш соҳиби ақлларга маълум бўлсинким, бу шеърда «шахнишини гулистоний» сўзлари таърих моддаси бўлиб келган. Чунки, қаср гулистон ўртасида жойлашган.

Бу олий мартабали хоннинг бузруквор бобоси Ҳожибек томонидан қурилган қаср ва боғ хусусидаги таърих эса қуйидагича назм ипига терилган. **Таърих:**

Қасри афзали жумла макон, ашрафи мажмуи билод,
Мулк маврусий ба султони замон аз аждод.
Мевазад накҳати гулҳои бихишти чаманаш,
Гўё олами имкон шуда жаннатобод.
Хоки ў мушкин ва дар саҳни ҳаво абиромез,
Ҳама гулҳои Ирам сар ба ҳавас дод ба бод.
Ҳама қасре ки дар ин гулшан зебо ороост,
Шуда аст номи қасурони хавонин бар бод.
Фалак аз баҳри тамошо қадди худ ҳам карда,
Чашм аз ахтару хуршед ба гирд бикушод.
Хабари таърихи қасри чаманистон Ҳотиф,
Баҳри итмом ба ман «бо чаман манзар дод»²¹³⁹.
[Барча масканлар афзал, шаҳарлар аро ашраф қаср,
Замон султониға аждодларидан мерос қолган мулк.
Чамани жаннатининг гуллари таровати эсиб турибди,
Гўё имкон олами бўлгандек жаннат обод.
Тупроғи мишкин исли, ҳавосида атр анқир,
Эрам гуллари бу ерга ҳавас қилиб, бошини қилган барбод.
Бу гулшан қасрларининг бариси юртга безакдир,
Бошқа хонлар қасрлари номини ўчирган.
Фалак томоша учун қаддини букиб,
Юлдузу қуёшдан кўз ясаб атрофида очган.
Бу чаманистон қасри санаси хабарини Ҳотиф,
Тугалланиш бобида менга «чаман манзари» деб берди].

Ёғдули ва денгиз мавжли кўнгилларга маълум қилинадиким, бу ерда «бо чаман манзар» сўзлари таърих моддаси бўлиб келган.

Мазкур санада олий сифат, олий даражат, //340^б баракат манбаси бўлмиш хон ислом эли манфаати ва хосу омга ёрдам учун Сайхун номли Сирдарёдан денгиз каби анҳор ва кавсар мисол ариқ чиқариб, оламни ям-яшил ва жаҳонни ҳаёт денгизидан сероб қилиб, Фарғонанинг исломия мамлакатларини обод қилиб, шаҳар ва даҳалар барпо қилди. Унинг таърих ва қасидасини буюк мартабали хон ўзининг зариф таъби билан топиб, хушодоблик билан туркий алфозда адо қилганлар. Бу дуогуй уни табаррук юзасидан китобат қайдига киритиб, ушбу варақларда битди. Наҳр **таърихи:**

Бихамдуллоҳ, менга султони акбар,
Бўлуб ёрий ўзи ҳам шаръи раҳбар.
Қилиб бошимни тож ила сарафроз,
Менга лутф этди тахт, маснади зар.
Улусни қилди лутф айлаб муҳаббат,
Мани шаҳ этти тахт устида довар.
Менга ёрий бўлуб лутфи худованд
Ким обод ўлди саъйимдин ҳама шаҳр.
Биёбон элиға шафқат учун ман,
Ки саҳроларда қоздурдум неча наҳр.
Чиқардим бир ариғ дарёи Сирдан,
Ариғ, балким демай, монанди бир баҳр.
Суви ҳайвон сувидек келди жонбахш,
Ки бал, ҳайвон суви олдинда шашдар.

²¹³⁹ Тарих санаси 1286/1869-70 дир

Ки ул жаннатдин ўлди асли мажро,
Ким андоқ салсабил янглиғ мутаҳҳар.
Умидим улки хосият бу сувдин,
Топиб саҳрода шаҳар ўлғай мусаввар.
Шаҳар андоқки бўлса минг мамлот,
Мамлотинда минг масжид, минбар.
Азон мамло минбар узра етса,
Мавлонинг самъиға Аллоҳу акбар.
Шаҳодати минбар устида муаззин,
Ки берса нафи исботин қилиб жаҳр.
Муҳаммад Тангринидурким расули,
Деса тангриға шойиста паямбар.
Бино бўлса мадорис, хонақоҳ кўб,
Ки илми қол ила ҳол анда музмар.
Бу умид ила дарёдин чиқардим,
Улуғ наҳреким ул дарё баробар.
Хирадга дедим: эй сайқалгари дил,
Сен эт таърихи миротин мунаввар.
Хирад равшан қилиб таъбим чироғин,
Деди хон англамак номи «улуғ наҳр»²¹⁴⁰.

Мазкурким таъби мавзун тақозоси илан ҳазратларидин зухурға келгандин адосинда муболаға кўргузуб ва риштаи назмға тортқонидур. **Иккинчи таърих:**

Дейин шукр ангаким Халлоқи Довар,
Бу элга берди бир шоҳи музаффар.
Ки шаҳлар дуржидин бир гавҳари пок,
Келиб оламға берди зеби афсар.
Қудумидин топиб авранг зийнат,
Шарафлик бошидин аклили аҳмар
Шараф Фарғона қасри тобти андин,
Ҳаво авжида андоқ чархи аҳзар.
Демай Фарғона қасри саҳни ҳомуг,
Зумуррадгун турур туфроғи гавҳар.
Чиқарди баҳрдин наҳреким андоқ,
Эрур арзи анинг дарёға баробар.
Бўлуб ҳама суйи тилло суйидек,
Ичиб ҳар сатҳи сабз ўлди қизил зар.
Қизил зар демайин балким зумрад,
Жавоҳирдин пурдир, бул баҳрдин бар.
Ичиб дарё суйидин бўлди сероб,
Биёбон атша ташна лаблар.
Демай сувини бу ҳайвон сувидур,
Ким ул барча суви бар узра бул наҳр.
Нечук авсофини тил деб тугатгай,
Сифатда келибди ул дарёйи бекуср.
Демоқда васфини юз оғиз,
Гаҳе ҳар қайсида юз тил нукта парвар.
Балоғат бирла бир тил билса юз тил,
Тугата олмай қолур васфинда музтар.
Нечук васфини қилғунгдурсен, эй тил,
//341^a Эрурсан бир хас, ул дарёйи бе бар.
Шаҳи вало гуҳарнинг сен дуосин,
Десанг қил хафий тил бирла қил жаҳр.
Фасоҳат бирла таърих адосин қилиб,
Сочди оғиздин дуру гавҳар.

²¹⁴⁰ Тарих санаси 1287/1870-71 дир.

Замири анваридин бейла макшуф
Бўлуб, таъриhini айди «улуғ наҳр».
Иккинчи йил туганса интиҳоси,
Ки албатта бўлур улуғ наҳр.

Олий мадраса ва юксак дахма ва қаср таъриhini (1287/1870-71йилда) қасида йўли билан саховат пеша хон, юксак ўйли султон мадҳини ҳам киритиб ушбу варақларда назм ипига тизилди²¹⁴¹.

Бир минг икки юз саксон еттинчи (1287) йилнинг раби ус-соний ойида пайшанба куни²¹⁴² азон вақтидан то чоштгоҳгача читфурушлик бозори растасида икки юз қирқ дўконни ўт олиб, барчаси ёниб кул бўлди. Ва бу ўт тушган дўконлардан беш-олти дўкон соҳиби ўз молларини оловдан саломат олиб, қолган барча моллар читфурушлик ўртасидаги кичкина саройи билан бирга ҳамма ашёлари ёниб кулга айланди. Бунинг таъриhini шундай топганлар. Бозор расталарининг от йилида ўт олгани таърихи. **Таърих:**

Растаи бозори навро рафт норе бисўхт,
Ин таажжуб оташеки то ба деворе бисўхт.
Оташи саркаш ба теғи об мегардад адам,
Ба зери ин обро чун равғани доғе бисўхт.
Таърихе аз сўзиши бозор ҳазор мағў,
Хирс оташ гашт дар пеши назар «бозор бисўхт».
[Янги бозор растасини ўт кетиб ёндирди,
Қизик бир ўтким, деворигача ёндирди.
Ўжар олов сув шамшири билан ўчгувчи эди,
Аммо бу сув остида куйдирилган мойдек гуриллади.
Бозор ёнганидан минг бор сўз очма, барибир,
Айиқ олов бўлиб, кўз ўнгида бозор ёнди].

Яширин қолмасинким, ўша куни дўкон аҳлининг нолалари биринчи фалакка чиқди. Олов ҳароратининг денгиз мавжли иссиғлиги ҳарорати тафтидан дўкондорлар бағрига ўт тушиб, якин йўла олмай, узокдан қараб-қараб, нола ва фарёд кўтарардилар. Бинобарин, «бозор сўхт» таърих моддаси бўлиб келган.

(Бир минг икки юз саксон саккизинчи (1288/1871-72) йилда жаноб Худоёрхон эски қаландархонани //341^b кенгайтириб, янги тоғдек иморат тиклади. Бунинг таъриhini қасида билан бирга назм ипига тизилди²¹⁴³).

Замон хоқони, даврони Саййид Муҳаммад Худоёрхоннинг – *мулки ва султонлиги абадий, умри ва салтанати зиёда бўлсин* – иниси Султонмуродбекнинг мадрасасининг (1287/1870-71 йилда қурилиши таърихи)²¹⁴⁴.

Муҳаммад Бобурхон авлодидан дор ус-салтана Хўқанд шаҳрида ва Фарғона шаҳарларида ўтирган салтанатдор, хоқон, кажкулоҳ тождор, юрт олувчи ва мамлакатни эгалловчи, бож олувчи фарзандларининг насабномаси бу тарибадир: Олтун бешик шаҳзодаси валади шаҳзода Муҳаммадмуқим валади Муҳаммадҳаким Мирзо валади Хумоюн подшоҳ валади Ҳиндистон мамлакатини олган Муҳаммад Заҳириддин Бобур подшоҳ. Султон Элик валади шаҳзода Олтун бешик ва султон Худоёрхони аввал валади Султон Элик ва Муҳаммадаминхони аввал валади Худоёрхони аввал ва Султон Абулқосимхон валади Муҳаммад Аминхони аввал ва Султон Асилзода валади Абулқосимхон ва Султон Шаҳмастхон // 342^a валади Султон Асилзода ва Султон Шаҳруххон валади Шаҳмастхон султон ва Султон Рустамхон валади Шаҳруххон ва султон Ҳожихон валади Рустам Султон ва Султон Ашур Муҳаммадхон валади Ҳожи султон. Яна Шаҳруххони соний валади Султон Ашур Муҳаммадхон ва Абдулкаримхон ва Шодихон Шаҳруххон(и аввал)нинг фарзандлари эдилар. Ва султон Эрдонахон валади Абдурахимхон ва Султон Сулаймонхон валади Шодихон ва Султон Норбўтахон валади Абдурахмонхон ибн Абдулкаримхон. Олимхон, Умархон, Рустамхони соний (Иккинчи) Султон Норбўтахоннинг ўғиллари эдилар. Олимхоннинг уч ўғли бор эди. Биринчиси Шаҳруххони солис (Учинчи) ки Олимхондан сўнг Тошканд шаҳрида Лашкар *бекларбеги*²¹⁴⁵ кўлида ёшлик пайтида шахидлик даражасига етди. Отолиқбек ва Муродбек эса

²¹⁴¹ Қасида туширилди.

²¹⁴² 1870 йили 8 июль.

²¹⁴³ Қасида туширилди.

²¹⁴⁴ Қасида туширилди.

²¹⁴⁵ Лашкар – бекларбеги. Асли номи Гуломшоҳ Чатрорий. Умархон хос маҳрамларидан бўлган. Иноки калон (1814-1815), Тошкент ва Дашти Қипчоқ хоқими (баъзи танаффуслар билан 1816-1841). Кўлб ва Давроз (1830) ва Жанубий Қозоқистон

Самарқандга қочган эдилар. Султон Умархон валади Норбўтахон ва Султон Муҳаммадалихон ғози ва Султон Маҳмудхон валади Султон Умархон ва шунингдек, Султон Умархондан шахзода Абдуллоҳхон номли фарзанд бор эди, Маҳмудхон давронда фарзандсиз бу дунёдан ўтди ва шахзода Муҳаммадаминбек соний валади хоқон Муҳаммадалихон ғози ва Султон Саййид Муҳаммад Шералихон валади Ҳожи султон ва Саримсоқхон лақабли шахзода амир Абдурахмонбек амир лашкари шаҳид ва Саййид Маллахон баҳодир шаҳид ва Султон Саййид Худоёрхони солис ва шахзода **Суфибек** ва шахзода Саййид Султонмуродбек шаҳид кетган Саййид Муҳаммад Шералихоннинг фарзандлари эдилар. Султон Шоҳмуродхон валади Саримсоқхони шаҳид ва Султон Саидхон ғози валади Султон Маллахон баҳодир шаҳид ва шахзода Саййид Насриддинхон ва шахзода Муҳаммадаминбек солис ва шахзода Саййид Умарбек соний ва Ўрмонбек лақабли шахзода Саййид Насруллоҳбек эса Саййид Худоёрхони солиснинг фарзандлари эдилар. Шахзода Муҳаммад Назарбек ва шахзода Муҳаммадмуродбек ва Абдулғаффорбек шахзода Сўфибекнинг ўғиллари эдилар. Шахзода Акбаралибек ва шахзода Саййид Мавлонбек шахзода Саййид Султон Муродбекнинг ўғиллари эдилар. **Тамом.**

Бу китоб тугаллангандан сўнг дониш аҳлининг нуктадонлари ва илм оламининг таниқли суҳандонлари кўнглидан яширин ва бекитикча қолмасинким, бу бир нечта варақларни қораловчи атторлик касбига машғул мусанниф Мулло Авазмуҳаммад ибн мулло Рўзи Муҳаммад ҳозирги ва ўтмиш қаламкашлари тариқида ҳар ривоятдан бир ҳикоятни рақам таҳририга киритиб, улар баёнини ўн беш йил мобайнида саъй-ҳаракат билан ўтган ... улуғ подшоҳлар ... ва ҳазрат Одам *алайҳиссалом* замонидан то ушбу 1288 йилнинг ўн саккизинчи раби ус-соний²¹⁴⁶, яъни замони хусрави Саййид Худоёрхон ибн Саййид Шералихони шаҳид ибн Ҳожихони шаҳид ибн Абдурахмон ибн Абдулкаримхон ибн Шахруххон баҳодир ибн Шаҳмастхон даврида охирига етказилди. Ҳушманд доно кишилар ва бахт-саодатли азизлардан бу чаҳорчамаман нигористонига ... //342⁶ аниқ фикр билан мутолаа зийнاتини бериб, кечган хатолари устидан афв жараёни билан қалам тортиб, мағфират ва дуо билан руҳимни шод қилишларини сўрардим. Умиддирким, бу бобни мутолаа этувчилар бу китоб чамани расталаридан турли рангдаги тоза гулларни териб, анбар исини димоғларига киритгайлар ва ундаги малҳам дорулари билан кўнгил дардларини аритгайлар. Чунончи мусанниф китоб хотимасини манзумада адо қилдим. **Муаллиф манзумаси:**

Ба дастури ақли борик бин,
Саманди суҳанро кашидам бар ин.
Таворихи осор хондам баса,
Ҳикоёт шунидам аз ҳар касе.
Суҳанҳо ки чун ганж оганда буд,
Ба ҳар нусхае дур пароканда буд.
Зи ҳар нусха бардоштам ғояҳо,
Бар ў бастам аз фикр пирояҳо.
Гузидам зи ҳар номае нағзи ў,
Зи ҳар пўст бардоштам мағзи ў.
Пароканда аз ҳар дурдона,
Бар оростам чун ғамхона.
Суҳанро ба маснад нишондам,
Ба таҳрир кашидам ҳар чи буд,
Ба ришта чи жавохир чи дур.
Суҳанро суҳандон баса гуфтаанд
Ба алмос дурре баса суфтаанд.
Ба ҳар жо ки буд дидаем,
Зи навъи суҳанҳо чидаем.
Авомеки дониш набошад бар ў,
Чи донад ба вазн баробар бар ў.
Суҳанро ба аҳли суҳан гуфтанист
Ба илмаш амал карда дур суфтанист.
Ба ҳар жо ки бубинанд беҳуда гўй
Хамуши задан беҳтар аз гуфту гўй.

(1834)га қилган юришларни бошқарган. Эшонқули додхоҳ деган ўғли бўлган ва унинг Тошкентда бино этилган иккита мадрасаси (Кўшмадраса) маълум. Шўролар даврида бузиб ташланган.

²¹⁴⁶ 1871 йил 25 июнь.

Маёолой беҳудагонро сухан,
Даҳани хуфта беҳтар зи ҳарфат фан.
Ҳоила касон гуфтанаст хору зор
Аз хамуши хамуши хамуши ба бор.
Ба табиати мардумони казо
Шукуфтам гулуро ба сар ғунчаҳо
Биёростам чун санам хонае
Расондам ба биёбон жаҳонномае,
Ба килки сухан номаи пурҳунар,
Нигаҳ дор зи ашрори пур шўру шарр.
Мусоҳиб бигардон жаҳонномаро
Ба пеши азизон фасоҳат адо.
Зи хонанда роз дору қалб бахш
Ба сомеъ сукун адо фаҳм бахш.
Ба меҳнат навиштам бәсе солҳо,
Нисоре намудам бәсе молҳо.
Худоё ба Аттор файзе расон,
Саодат бар дараш хайре расон.
Сухан бурдам ба поён тамом,
Салом алайкум ва алайка-с-салом.
[Қилни қирқ ёрар ақл дастурича,
Сўз оти жиловини бурдим шунга.
Кўп ўқидим тарихи китобларини,
Ҳар кимдан ҳикоятлар тингладим.
Сўзлар ганж каби сайқал топган эди,
Дурдек ҳар ён сочилиб ётган эди.
Оятлар қўшиб, айладим уларни жам,
Безадим фикр маржонлари билан ҳам.
Ҳар китобдан фақат гўзалин танладим,
Данагидан ажратиб, мағзин жамладим.
Сочилган ҳар бир дурдонадан,
Безатдим гўё бир санамхона.
Сўзни чиқариб ўтқаздим тахтга,
На жавҳар, дур бўлса ёзувга тиздим.
Сўз билувчилар айтишган кўп гап,
Олмос билан дурлар тешишган.
Қаерда бўлса кўрганмиз,
Ҳар хил сўзлардан терганмиз.
Билими бўлмаган омий,
Қайдан билсин сўз вазнини.
Сўз сўз аҳлига айтмоқ керак,
Илмига амал қилиб, дур тешмоқ керак.
Қайда кўрсалар беҳуда сўзловчини,
Унга гапиргандан индамаган афзалдир.
Сўзингни беҳуда булғама,
Гапирувчи оғиздан юмуқ оғиз яхшироқ.
Тушунмаганга сўзинг хору зор этма,
Хомушлик ҳам мева берар кўпинча.
Баъзи кишилар табиатига қараб,
Ғунчалар узра гул очилтирдим.
Санамхона каби безатдим,
Биёбонда жаҳоннамо яратдим,
Уни сўз қалами билан маҳорат или.
Ёздим. Уни ёмонларнинг шароратидан сақла.
Жаҳоннамони ўзингга мусоҳиб эт.
Фасоҳат сўзли азизлар олдида,
Ўқувчидан қалб сирин ошкор эт.

Эшитувчига фаҳм бахш эт,
Меҳнат билан ёздим кўп йил,
Сарф этдим кўп мол.
Худойим, Аиторга бир файз етказ,
Эшигига саодат, хайр етказ.
Сўзни поёнига етказиб, қилдим тамом,
Салом алайкум ва алайка-с-салом].

Хотима

Дар он «Шаҳнома»и Фирдавси хони,
Ба ин тарзе назокатро надони.
Ба ин роҳи равиш чандин ҳикоят,
Мусаббат сохтам аз ҳар ривоят.
Каломам махзани ганжина аст ин,
Баёнам софии ойина аст ин.
Саодат рўзии аҳкоми ҳикмат,
Расонидам ба поёнаш ба ҳиммат.
Таворих, санади бисёр гуфтам,
Зи осораш бисе дурӯҳо суфтам.
Ман аз рўзи ҳалоли худ навиштам,
Тамаъ аз дигарон дастам бастам.
Замоне чун баиди понздаҳ сол,
Ба тақрири қалам овардаам ҳол.
Ба чанде аз замонҳои гузашта,
Ба чанде чашм бини худ навишта.
Ажойиб воқеоте ба ин аҳвол,
Ба ин муддат расонидам бо камол.
“Жаҳоннома” мусаммий сохтам ман,
Мақолоти мурур соз мубарҳан.
//343^a Баёне сохтам аз ҳар вилоят,
Ҳаводис мешавад бар он далолат.
Ба ин муддат расонидам камолот,
Вуқуфи кас шуд бар ин мақолот.
Ба ин муддати муосир ёздаҳ мард,
Ба чашми худ бидидам сарвари кард.
Дигар муддат намедонам чи бошад,
Шикофи синаи дил кай харошад.
Мулаққаб қулқулоб мавжи дарё,
Ҳамекард дар замоне шўру ғавғо.
Ба бисту панж сол осойише нест,
Ба ғайри кушта, хаста зараре нест
Ба чашми бад расидаст ба Хўқанд,
Ба он дур кавокиб то ба ин анд.
Ба чашми ду зи ин мавжи талотум,
Умиде мекунам шояд шавад гум.
[Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини ўқиб,
Бу каби назокатни кўрмассан сира.
Шу йўл ва равиш билан бир неча ҳикоят,
Йиғиб ёздим неча бир ривоятдан сўз.
Ганжиналар хазинаси эрур сўзларим,
Ойна софлигида эрур баёним.
Саодатли бир кунда ҳикмат ҳукмларин,
Етказдим поёнига ҳиммат қилиб.
Тарихлару кўп ҳужжат айтдим,
Асарлардан кўп дурлар тешдим.
Ўз ҳалол пулим билан ёздим,
Бошқаларга тама қилишдан қўлим тийдим.
Ўн беш йил давомида,
Аҳволни қалам тақририга киритдим.

Неча бири ўтган замонлардан,
Бир қанчаси ўз кўзим билан кўрганларим.
Ажойиб воқеаларни кўр,
Ўша муддатда камолига етказдим.
Номини «Жаҳоннамо» деб қўйдим,
Аниқ, ҳужжатли мақолотлар киритдим.
Ҳар вилоятдан бир баён этдим изҳор,
Ҳодисалар бунга далолат.
Шу муддатда камолотга етказдим,
Билгайлар одамлар уни деб иш тутдим.
Шу муддатда ўн бир замондош хон,
Сарварлик қилганини ўз кўзим билан кўрдим.
Энди нима бўлишини билмайман,
Дил сийнаси чокини қачон қитиқлашар.
Дарё мавжидек ўзгари турди замонлар,
Ҳар бир замонда тошиб ғавғо туғёни.
Йигирма беш йилдан бери тинчлик йўқ,
Ўлган, яралангандан бошқа зарар йўқ.
Ёмон кўз теккан Хўқандга,
Юлдузлардан то ергача бу муддат.
Икки кўзим билан бу туғён мавжидан,
Умид қиламан, шояд йўқ бўлгай бутун].

Ушбу қоралама мусанниф Мулло Авазмухаммаднинг дастхати билан таълиф қилинди: Эй Аллоҳим, ота-онамиз, устозимиз ва барча мўъмин ва мўъминалар, муслиму муслималар, тирик ва ўликларимизни мағфират айлагил. Чунки даъво сабабчиси ва юқори даражотли ва баракот тушурувчи ва ҳожатлар қозиси эрурсан. Эшитиб-билувчисан, эй раҳмдиллар раҳмдилди. **Муаллифдан:**

Илоҳо, бубахшо ту хонандаро,
Ато кун ту жаннат нависандаро.
Супурдам ба ту мойи хешро,
Ту дони ҳаёти каму бешро.
[Илоҳо, ўқувчининг бор гуноҳин кечир,
Ёзгувчига эса жаннатингдан жой бер.
Ўзингга топширдим ўзимни мен,
Ҳаётим яхши-ёмонин билгувчи ўзингсен].

Яна муаллифники:

«Тарихи жаҳоннамо» мавсум шуда,
Килки суханам баёну маркум шуда.
Аз Одам то Хотам, то ин дам таърих,
Ин банда камина мафҳум шуда.
[«Жаҳонни кўрсатувчи тарих» деб номланди,
Сўзим қалами унинг барча баёнин ёзди.
Одамдан Пайғамбаримизгача, балки ушбу дамгача,
Бу камтарин бандага маълум бўлганича].

Яна муаллифники:

«Таърихи жаҳоннамой» ба итмом расид,
Чандонки сухан буд ба анжом расид.
«Таърихи жаҳоннамой» таърих шуда,
Аз жумла хуруфи «сод» ихтитом расид²¹⁴⁷.
[«Тарихи жаҳоннамой» бўлди тамом,
Неки сўз бор эса топди тугал анжом.
«Тарихи жаҳоннамой» таърих бўлиб,
«Сод» ҳарфидан унинг санаси чикди].

²¹⁴⁷ Тарих моддаси 1291/1874-75 йилни беради.

IX. Муҳаммад Юнусжон Тоиб. ТАРИХИ АЛИҚУЛИ АМИРЛАШКАР²¹⁴⁸.

Бисмиллоҳи-р-рахмони-р-рахим!

// 2^б↓ Алҳамду ли-л-лоҳи раб ул-оламин ва-л-оқибату ли-л-мутақин ва салоту ва салам ал-атмон ал-акмолон ала саййидано ва мавлоно Муҳаммад хотам ан-набиййин ва ала олиҳи ва асҳобиҳи ва зурриётитиҳи ажмаин ила явми-д-дин!

Аммо баъд бу бандаи хокисор ва зарраи адим ал-эътибор Шоший ал-муваллад Фарғоний ал-муҳаттад Муло Муҳаммад Юнус ибн Муҳаммад Амин ғаффараллоҳу зунубаҳу ва саттара уюбаҳу, чунки²¹⁴⁹ жаноби жавҳари шамшири шужоат, қуввати бозуи шаҳомат, яъни, Абу-л-фатҳ Мулло Алиқули *амирлашқари* шаҳиди марҳум ибтидои тулуи офтоби давлатларидан то ғуруби моҳичаи умр ва иқболларигаҳа давлат //2^а↓ осо мулозими рикоби ҳумоюн(ида) эрдим. Ҳусни ихлос ва ақида ани иқтизо қилур эрдиким, ул зоти олисифотнинг айёми саболаридин, то ҳангоми шаҳодатларигаҳа вақое ва ахборотларини таҳрир силқиға чекиб, бир яхши китоб қилсам. Муни узасиға, ул шажарайи тайиба самаралари фарзанди Мулло Шермуҳаммад Мирзо²¹⁵⁰ йи *мингбоши*²¹⁵¹ ҳам илтимос қилдиларки, ул жанобни вақое ва ахборотларини сиздан яхшироқ биладурғон одам йўқ, ул зоти ҳужастасифот зикрларини бир ёднома китоб қилиб берсангиз, то ойнаи хосу авомдан мунқатиъ бўлуб қолмағай эрди, деб. Агарчи бандаи ҳақирда шайхухот (қарилик) ғалабаси ва, мунинг узасиға, белу аёғ оғриқ оризаси ва даҳи мунга, кўз оғриқ ва сукути иштиҳо муғтанам бўлиб, қувват заъф ва заъф қувват тофиб ёзмок // 2^б↓ ва тақрир қилмоқға мажолу қудрат боқи қолмаған эрди, аммо ул жанобни зикри лаззати мадади бирла ўз кўзум бирлан кўрганларимни ва кўрмаганларимни, ул жанобни(нг) фарзанди аржумандлари Мулло Шермуҳаммад Мирзойи *мингбошидан* сўраб бу амрға шуруъ айладим. Ва аржу мин фазлуллоҳи тайассир ал-аном ва хусни-л-ихтитом ва ҳува би-л-ижобатиҳи жадир ва ала кулли шайин қадир.

Маълум ўлғайким, *Амирлашқари* марҳумнинг насаблари *қирғиз*²¹⁵²-*қипчоқ*²¹⁵³ жамоасидан бўлуб, исми шарифлари Мулло Алиқули Ҳасан *бий*²¹⁵⁴ ўғли эрди ва волидаи шарифлари Шаҳарбону

²¹⁴⁸ Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули амирлашқар / Табдил, таржимонлар, кириш ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, Д. Чориева. – Тошкент, 2010. – 100+114 б.

²¹⁴⁹ Ўз ФА ШИда сақланаётган кўлёманинг биринчи ва охири саҳифалари сақланмаган. Улар Ш. Воҳидов кутубхонасидаги нусха асосида тикланди.

²¹⁵⁰ Мулло Шермуҳаммад мирзо – 1902 йилдан кейин вафот этган. Алиқулининг ўғли. Отаси ҳалокатидан кейин Қошғарга кетган. Понсад унвонида Яъқуббек Бадавлат ҳузурида хизмат қилган. 1877 йили Яъқуббек вафотидан кейин Қошғар шаҳрини бошқарган ва амири лашқар унвонида Хитойга қарши курашган.

²¹⁵¹ Мингбоши – Қўқон хонлигида олий ҳарбий унвон. Минг нафар сарбознинг бошлиғи.

²¹⁵² Қирғиз номи илк бор геэгуь шаклида хитойча «Ханшу» («Хан сулоласи тарихи»; мил. I аср) йилномасида мил. ав. 203 йилги воқеалар баёнида тилга олинади. Қирғизларнинг келиб чиқиши ҳақида турли қарашлар мавжуд, хусусан уларнинг Енисей қирғизлари деб аталмиш халқдан тарқалгани масаласи мунозарали. Қирғизларнинг илк этник тарихи қадимий қабила иттифоқлари (хунлар, дин-линлар, саклар ва усунлар) билан боғлиқ. Турк хоқонлиги ва кўчманчи давлат уюшмалари даврида (VI–X асрлар), кейинчалик қирғизлар таркибига кирган қабилалар Саян-Олтой, Иртиш бўйи, Шарқий Тяньшаннинг туркий аҳолиси орасида шакллланганлар. Қирғизларнинг бир қисми IX–XII-асрларда, катта қисми эса ўрта асрлар давомида ғарбга кўчиб, Иссиққўл атрофлари, Етгисув ҳавзаси, Тяньшан (Тангритоғ) ён бағирлари, Фарғона водийсининг тоғолди ҳудудлари ва Дашти Қипчоқ ўлкаларига бориб жойлашган.

Қирғизларнинг асосий қисми Тяньшан ва Иссиққўл оралиғини макон тутиб, бу ердаги бир неча туркий қабилалар билан биргаликда ҳозирги қирғиз халқини ташкил қилган. Қирғиз халқи таркибига, шунингдек, Етгисув ва Мовароуннаҳрнинг туркий қабилалари, жумладан қарлуқлар ва уйғурлар, кейинроқ мўғул қабилалари, XVI—XVII асрларда эса келиб чиқиши қозоқ-нўғай-лар билан боғлиқ қабилалар кирган. Қирғизларнинг бир қисми бошқа туркий халқларнинг этногенезида қатнашган. Хусусан, 92 ўзбек уруғига оид шажараномаларнинг барчасида қирғиз этноними қайд қилинган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бир неча вилоятларида қирғиз номи этнотопоним сифатида сақланиб қолган.

Қирғизлар хонлик даврида кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик, айрим туманларда XIX асрнинг иккинчи ярмидан деҳқончилик билан шуғулланган.

²¹⁵³ Қипчоқ – Қипчоқия – қипчоқлар – (рус манбаларида – половцы, Византия манбаларида – куманлар) – туркий халқларнинг энг йирик қабилаларидан бири; ўзбек халқи этник таркибидаги асосий компонентлардан бири. Қипчоқлар нафақат ўзбек халқи этногенезида, балки қатор бошқа туркий халқлар — қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, туркманлар, татарлар, бошқирлар, олтойликлар ва Шимолий Кавказдаги айрим халқлар (нўғойлар, кўмиклар, қорачойлар ва б.) шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Қипчоқларга хос этник белгилар усмонли турклар, венгерлар ва б. қатор халқлар таркибида ҳам мавжуд.

Қипчоқларнинг Мовароуннаҳр маданий минтақаларига ялпи кўчиб келиши Шайбонийхон даврида XVI асрда ва кейинчалик XVII асрда аштархонийлар даврида юз берган. Шунингдек, қипчоқлар XVI нинг иккинчи ярми – XVIII нинг бошларида, жунғарларнинг Қозоғистоннинг жанубий ҳудудларига бостириб кириши жараёнида ҳам Зарафшон воҳаси ва Фарғона водийсига кўчиб келганлар. Қорақалпоқлар, қозоқлар билан бирга қипчоқларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши икки йўналишда бўлиб, уларнинг бир қисми Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб Тошкент воҳаси ва Мирзачўл ҳудудларида жойлашган. Қипчоқларнинг иккинчи қисми эса Ўрта Зарафшон бўйлаб кетган. XVIII асрнинг 20–30-йилларида қипчоқлар

биби эрур. Мазкурлар Хўқанд уезида (уездига) Навиғут бўлустида Бўжун Буткан деган мавзеда турғучи фуқаро аҳлидан эрдилар. Қиладурғон ишлари кўю мол ва йилки тўхтатиб, бокиб, ушбулардан фойдаланиб юрур эрдилар. // 3^a↓ Худованди карим лутфу карами бўлуб, мазкур Ҳасанбийдан шу мавзеда Мулло Алиқули *амирлашкар* ва яна бир қиз... вужудға келиб, (Аидижон) уезига тобеъ Қўрғон тефа бўлустидаги (волости) Тошлоқ фулонида тарбият тофиб(дилар)].

Амирлашқари марҳум икки яшарлик вақтиларида оталари Ҳасанбий вафот қилиб, волидалари қўлларида ёш ва сағир қолиб, бо вужуди ёшлиғ беҳуда ҳаракат қилмай волидаларининг акалари Мулло Дўст *охунд*²¹⁵⁵ деган, то олти-етти яшар бўлғонларича Бўжун Буткан мавзеда ўқуб, саводлари чиққондан сўнгра Қўрғонтепа бўлистига кўчиб келиб, андин Андижонда Оқмасжид мадрасада бир икки йил ўқуб, андин сўнгра Хўқанд бориб, Махзум Ҳожи *раис*²¹⁵⁶ жаноби Домулло Аёз *махдум*²¹⁵⁷ марҳум ўғиллари хизматларида ўқуб, фи-л-жумла илму хат ҳосил қилиб, шул аснода тахминан жаноби // 3^b↓ *Амирлашқари* марҳум ўн саккиз яшар бўлғон эрдилар. Андин *Амирлашқарни* ҳамшираларини олган Тағойқул *додхоҳ*²¹⁵⁸ олиб келиб, баъзи сипоҳгарчилик ишлариға аралаштуруб, ул ерда ҳам хизмат ишларини бир неча вақт яхши қилиб туриб, андин яна Қўрғонтефа бўлустида оталари ўрниға бий бўлуб, ниҳоят, хушмандлиғ ва зийрақларидан ишларни яхши саранжом айлаб, фуқаро ва халқуллоҳға нафъ ва осийиш еткуруб, кундан-кун ривож ва равнақлари зиёда бўлган сабабли, замона мардумлари ул кишиға ҳасад қилиб, беақлу беҳирадлар адоват камарини беллариға боғладилар. Ва амирлашқари марҳум бир каттароқ жойға суянмоқ, тақия қилмоқни лозим ва зарур фаҳмлаб ул фурсатда Худоёрхонни ота бир волида бошқа Маллабек Шер Алихон ўғлини ўз айни уқоси Андижон ҳокими Сўфибек тўй қилган // 4^a↓ учун атроф жавонибдан жамии катта сардор ва сипоҳларнинг келганларида *Амирлашқари* марҳум ҳам бир фойгачи от бирлан келиб Андижонда Маллабеки мазкурға *навкар*²¹⁵⁹ ва *йигит*²¹⁶⁰ бўлдилар. Ул ҳолда амирлашқари марҳум ҳам тахминан йигирма икки ёшда эрдилар.

Бу фасл Амирлашқарнинг ибтидои сипоҳгарчиликка оралашқонларининг баёни турур

Амирлашқари марҳум катта бир жойға суянмоқ ва тақия қилмоқни зарур ва лозимлигини фаҳмлаб, ўша фурсатларда Худоёрхон²¹⁶¹нинг ота бир волида бошқа оғаси Маллабек²¹⁶² Шералихон²¹⁶³ни ўғли ўз айни уқаси Андижон ҳокими Сўфибек²¹⁶⁴ тўй қилғони учун тўйға келиб, *Амирлашқари* марҳум ҳам бир от бирлан Маллабеки мазкурни(нг) хизматлариға келиб, *нўкар* ва *йигит* бўлдилар. Ул ерда ҳам камоли хушмандлиғ узасидан кундан-кун мартабаси ошиб, Маллабеки мазкурға тақарруби //4^b↓ зиёда бўлиб, бирға Хўқанд келдилар. Аммо Худоёрхон ҳамеша ит талаштурмоқ ва тева ва кўчқор уруштирмоқ ва улоқ чопмоқға машғул бўлиб, фуқаро ҳолидан ғофил қолган сабабли, Қурама халқи²¹⁶⁵ Нормухаммад²¹⁶⁶ *парвоначи*²¹⁶⁷ зулмидан додға келиб, фарёдлариға

Шимолий Фарғонанинг тоғ олди минтақаларига келиб ўрнашганлар. Фақатгина маълум миқдордаги қипчоқларгина Тошкент воҳасида қолган. Бу даврда қипчоқлар 4 та асосий гуруҳға: қора қипчоқ, сариқ қипчоқ, хитой қипчоқ ва қулон қипчоқларга бўлинган. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, майда гуруҳларга бўлинган. Қипчоқларнинг айрим гуруҳлари XX асрнинг бошларигача ўзларининг уруғ-қабилавий бўлинишларини сақлаб қолганлар

²¹⁵⁴ Бий – қабилла ёки уруғ бошлиғи.

²¹⁵⁵ Охунд – мулла, мадрасада савод чиқарган шахс.

²¹⁵⁶ Раис – раҳбар, бошлиқ маъносида. Мусулмонлар жамоаси устидан ислом арконлари бажаришини назорат қилган амалдор.

²¹⁵⁷ Махдум – ходим маъносида. Катта амалдор, пир ва муршидлар ҳузурида муҳим вазифаларни бажарадиган хизматчи.

²¹⁵⁸ Додхоҳ – дод, адолат истовчи. Саройдаги амалдор. Барча ариза ва сўровларни хон (амир)га етказиб, жавобини олиб чиқадиган шахс. Маҳаллий ҳокимларга ҳам кўпинча шу унвон берилган.

²¹⁵⁹ Нўкар/навкар – хизматчи ва сарбоз маъносида.

²¹⁶⁰ Йигит – сарбоз, аскар, отлик сарбоз.

²¹⁶¹ Худоёрхон – Худоёрхон Шералихон ўғли уч марта Қўқон тахтига чиққан. 1875 йили ўғли Насриддинбек фойдасига тахтдан воз кечиб, қочиб Тошкентга келган ва рус маъмурияти уни Россияга сурған қилган эди. Унинг онаси Жарқин/Ёрқин ойим бинт Тўхта Назар қирғиз, сору уруғидан бўлган. Шу онадан яна Абдурахмонбек/Саримсоқхон ва Султон Муродбек ҳамда учта қиз оламга келган. Маллабек ва Сўфибек ҳамда иккита қиз қирғизларнинг Бағиш уруғидан бўлган аёлдан оламга келган.

²¹⁶² Маллабек – Худоёрхоннинг ота бир она бошқа акаси. 1857-1862 йй. Қўқон хони бўлган.

²¹⁶³ Шералихон – Қўқон хони (1842-1844). 1790-91 оламга келган.

²¹⁶⁴ Сўфибек – Худоёрхоннинг уқаси. 11 жумада ал-увла 1276/6 декабрь 1859 йили вафот қилган. Назирбек деган ўғли қолган (1887 йили ҳаёт эди).

²¹⁶⁵ Қурама халқи/курама – қозоқ қабилаларнинг уюшмаси. Қозоқларнинг ўзаро аралашган уруғлар. Тошкент атрофида, Чатқол, Ангрен водийси, Курама тоғларида яшаганлар. Курама вилояти маркази Кировчи бўлган.

²¹⁶⁶ Нормухаммад – қипчоқ қабиласидан. 1845 йилдан Курама ҳокими. 1848-1852 йиллари қўшбеги унвонида Тошканд ҳокими бўлган. Мусулмонқулининг ашаддий душмани. 1864 йили август ойида ҳалок бўлган.

ҳеч ким қулоқ солмаган ваҳидан, аризаларини дарахтлар бошига остилар. Тошканд ва Дашти кипчоқ²¹⁶⁸ фуқаролари Мирзо Аҳмад²¹⁶⁹ қўшбеги²¹⁷⁰ жабру таадисидан жонларидан туйуб, фарёди оху нолалариға ҳеч кимарса қулоқ солмаган сабабли тамоми қирғизия ва қозоқия²¹⁷¹ ва сартия²¹⁷² ёв бўлуб, Мирзо Аҳмад қўшбегини ҳар тарафға закот²¹⁷³ учун юборған сардор ва одамлари тамоман уриб, ўлдириб, ўзини Авлиё ота²¹⁷⁴ қурғониға қамаб, атрофини олдилар. Худоёрхон ночор бўлуб Мирзо Аҳмад қўшбегини ул аҳволдан қутқариб олмоқ учун акаси Маллабек ва Шодмонхўжа мингбоши²¹⁷⁵ ни аксари аскарарияи Хўқанд ва жаноби // 5^a↓ Миён Халил ҳазрат²¹⁷⁶, наввараллоху марқадаҳу, бирлан Тошканд буюрдилар.

Бизлар Тошканд бориб, уч-тўрт кундан сўнгра Чимкент²¹⁷⁷ бордук ва Хўқанд аскарария Чимкентда кўнғондан сўнгра Авлиё отада Мирзо Аҳмадни қамаган элотия кундан-кун заиф ва мутафарриқа бўлуб тарқалиб ва Мирзо Аҳмад фи-л-жумла қувват тофиб, Авлиё отадан чиқиб, Чимкент келди. Мингбоши Маллабекларни олиб Чимкентдан Тошканд келдилар. Тошкандда Солар лабида беш-олти кун туриб, Тошканд ишини саришта қилғандан сўнгра Мирзо Аҳмадни олиб Хўқанд тарафиға жўнаб, Тўйтефа²¹⁷⁸ мавзеиға кўнғонда маълум бўлдики, Мирзо Аҳмад қўшбеги Шодмонхўжа мингбошиға тўхмату бўхтон қилиб, «Тошкандни бузиб ёв бўлмоқчи эди», деб Худоёрхонға ариза ёзуб ва Худоёрхон бу сўзни таҳқиқ қилмай, // 5^b↓ ишониб, иноятнома йибориб, ўшал ерда мингбошии мазкурни ушлаб, Йўлчибек²¹⁷⁹ деган лўлиларни(нг) понсадбоши²¹⁸⁰ сиға топшуруб, у ондан жўнаб, Хўқанд келиб, Мингбошии мазкурни банди қилиб Шаҳрихон йибориб²¹⁸¹, онинг ўрниға Мирзо Аҳмадни мингбошии қилди.

Ва ул фурсатда амири Бухоро (Насруллоҳхон – Ш.В.Д.Ч.) қўшини бирлан отланиб келиб Ўратефа²¹⁸² ни қамади, Худоёрхон Ўратефа мадади учун юборған Муҳаммадназарбек қўшбеги²¹⁸³ лар етмасдан илгари (амир) Ўратефани олиб, Рустамбек²¹⁸⁴ ни ўлдуруб, келиб Хўжанд²¹⁸⁵ ни муҳосирасиға

²¹⁶⁷ Парвоначи – парвона, яъни капалакдек хон (амир) ҳузурига кириб, ариза ва сўровларни олиб кириб, жавобини олиб чиқадиган амалдор.

²¹⁶⁸ Тошканду Дашти кипчоқ – хонлик даврида алоҳида вилоят номи.

²¹⁶⁹ Мирзо Аҳмад қўшбеги – 1829 йили оламга келган ва 1895 йилдан кейин вафот этган. Қурама (1853), Тошканд ва Дашти кипчоқ (1854 феврал–1858 ёзигача) волийси. Мингбоши унвонида 1862-1863 йиллари Худоёрхон қўшинини бошқарган. Хўжанд (1863) ва Тошканд (1864), Марғинон (1865) ҳокими бўлган. Уни ёзган аризаси кўра Чимкент, Сайрам Авлиё отада ободончилик ишларини олиб борган. Мерки ва Исфарада янги ариқлар қаздирган. Ит кечув, Манар, Карбаткан, Қизил жайли, Таш, Жулак, Чаҳордара ва Чинозда истехком ва қалъалар қурдирган. Кейинчалик 12 минглик қўшин билан Шарқий Туркистондаги Яъқуббек давлатида хизматга кетган. 1878 йилдан Тошкентдаги Ўқчи маҳалласида яшаган. Қаранг: Набиев Р. Н. Вакфное хозяйство Кокандского ханства. – Ташкент, 2010. – С. 86-88.

²¹⁷⁰ Қўшбеги/қўшинбеги – қўш, ҳарбий лагернинг қўмондони. Бухоро амирлигида вазир даражасидаги амалдор.

²¹⁷¹ Қозоқия – Дашти кипчоқ, Тошкент атрофи ва Фарғона водийсида кўчманчи ҳаёт кечирган туркий аҳоли.

²¹⁷² Сартия/сартлар – тожик ва ўзбек тилларида сўзлошувчи Ўрта Осий шаҳарларининг аҳолиси. Сарт сўзи қадимда карвонбоши, савдогар маъноларида ишлатилган.

²¹⁷³ Закот – ислом арконларидан бири. Мусулмон жамоасининг энг муҳтож ва камбағалларига соҳибнасоб бўлган аҳоли қатлами бериши шарт бўлган солиқ.

²¹⁷⁴ Авлиё ота – Сирдарё қуйи оқимида жойлашган Қўқон истехкоми.

²¹⁷⁵ Шодмонхўжа мингбоши – (1798-1863). Қўқон давлатининг ҳарбий ва сиёсий арбоби. Маҳрамбоши (1844), додхоҳ (1848), Тошкент (1853) ва Хўжанд (1856-57) ҳокими, мингбоши (1857-1858), Балиқчи ҳокими (1858-1860). 1862-1863 йилларида Худоёрхон мингбошиси. Тошкент (1863) ҳокими. Алиқули фармони билан ўлдирилган.

²¹⁷⁶ Миён Халил ҳазрат – ваф. 1285/1868-69 йили. Уламо ва дипломат. Пешоварда оламга келган. Ҳаждан кейин Қозон шаҳрига келган. Бу ерда татар уламоларидан бири бўлган Мулло Фатхуллоҳ (1767-1843) қизи Фотимага уйланган. 181-1842 йиллари Қўқондан Россияга элчи бўлиб борган. 1862 йилгача Тошкентда яшаган. Жияни Миён Фазл Аҳмад Бузруг хожи билан Бухорога кетган ва амир Музаффар ҳузурига бўлиб, шу ерда вафот этган.

²¹⁷⁷ Чимкент – Жанубий Қозоқистонда жойлашган шаҳар. Қўқонга тобе шаҳарлардан бўлган.

²¹⁷⁸ Тўйтефа – Тошканд шаҳридан тўрт фарсах масофада жойлашган жой.

²¹⁷⁹ Йўлчибек – лўлилардан бўлган ҳарбий бошлиқ, додхоҳ. 1862 йили вафот этган.

²¹⁸⁰ Понсадбоши – беш юз нафар сарбозга бошлиқ ҳарбий амалдор.

²¹⁸¹ Бу ерда у Султон Муродбек ибн шералихон томонидан ўлдирилган.

²¹⁸² Ўратефа/Истаравшан – Қўқон ва Бухоро давлати чегарасида жойлашган мулкнинг маркази. Фарғона, Зарафшон, Илок водийларини бир-бири билан боғлаб турган катта савдо йўлида жойлашган қадимий шаҳар. Ҳозир Тожикистондаги Суғд вилоятида туман маркази. Қадимда Усрушона/Истаравшан тарихий-жуғрофий худуднинг маркази шу шаҳарнинг яқини (қадимий Киропол)да жойлашган эди.

²¹⁸³ Муҳаммадназарбек қўшбеги – хонликда бу ном билан иккита Муҳаммадназарбек маълум. Иккаласи ҳам қўшбеги унвонини олган. Бири Муҳаммадназар бий кўрўғли кипчоқ, етти қашқа уруғидан. 1840 йилда Шаҳрихон ҳокими. 1852 йили Худоёрхон фармони билан бу вазифадан олинган. Иккинчиси Муҳаммадназарбек Сақав ибн Ирискулибек минг – Муҳаммадалихон онасининг тоғаси. Шу Муҳаммадназарбек 1842-43 йй. парвоначи унвонида Наманганда ҳоким бўлган. 1852-1853 йй. Хўжанд ҳокими. 1865 йилдан Қошғарга кетиб Яъқуббек давлатида хизмат қилган.

²¹⁸⁴ Рустамбек – 1858 йили 9 сентябр ўлган. 1854-1858 йй. Ўратефа ҳокими. Бухоро амири Насруллоҳнинг жияни эди.

²¹⁸⁵ Хўжанд – ҳозир Тожикистоннинг Суғд вилояти маркази.

машғул бўлди. Худоёрхон Хўжанд мадади учун Муҳаммад Ёқуббек Бадавлат²¹⁸⁶ни Хўжандга буюриб (юборди). Ул киши Хўжандга кириб, ниҳоят шужоат ва мардоналик зухурга келтуруб, бу кишининг ғайрати сабабли Хўжанд саломат қолиб, амири Бухоро ёнди. Ва амири Бухоро кўшинидан Қосим мингбоши қадима²¹⁸⁷, Гадейбой мингбошининг ўғли Ҳақназар мирзо //6^a↓, Қосимбек ва Баҳодур қўшбегининг ўғиллари, Мирзо Улуғ ва Рустамбек саркор²¹⁸⁸ и Раҳимбеклар қочиб Хўқанд келдилар ва Худоёрхон ночор бўлуб, Шодмонхўжа мингбошини ҳам олдуруб келди.

Бу вақтларда бирр куни намози бомдоддан сўнгра тамоми умаро ва сардорлар салом учун ўрда эшикига жамъ бўлгонда Маллабек Мирзо Аҳмад қўшбеги ва Дўстмуҳаммад²¹⁸⁹ дастурхончи²¹⁹⁰ ларга ниҳоят қахру ғазаб бирлан боқиб: «Хонни сизлар йўлдан уруб, ит уруштирмоқ ва хурус (хўроз) уруштурмоқ йўлига бошлаб, юрт ва фуқаролар ҳолидан ғофил ва беҳабар айлаб, оламини хароб қилдинглар» деб уларни(нг) қасдида қиличини ғилофидан чиқориб, акобир ва умаро мабодо бир беҳуда иш бўлмасин, деб Маллабекни(нг) кўлидан ушлаб, илтижо ва зорилар бирлан уларни халос қилдилар. Ва Маллабек // 6^b↓ бу ердан чиқиб, ҳовлисига келиб, ҳозир тайёр навкарлари бирлан Андижон тарафига азимат қилди. Худоёрхон эшитиб, қайтармоқ учун орқасидан одам буюрди. Аммо одамлар «етолмадук» деб ёниб (келдилар).

Маллабек Амирлашқари мархум маслаҳати бирлан тўғри Ўшга келиб, ул ердан Алимбек додхоҳ²¹⁹¹ ва Саййидбек додхоҳ²¹⁹² ларни олиб келиб, яхши сўз ва аҳду паймон бирлан ўзига мутеъ ва фармонбардор айлаб, Каломуллоҳ кўтартуруб, тамоми ўттуз ўғил²¹⁹³, тайит²¹⁹⁴ ва санчиқли²¹⁹⁵ (қабилалари) Маллабек итоатига кириб, Ўшдан жамъияти тамом бирлан жўнаб, Андижон тобеи Тошлоқ мавзеида Амирлашқар ҳовлисига кўнуб, ул ерда билиттифоқ Маллабекни хонликка кўтариб, асбоби жанг тайёр қилмоқ ва юрт олмоқ тараддудига тушиб(дилар). Ул вақтда амири Бухоро дафъи учун Андижон ҳокими Сўфибек ва Марғинон ҳокими Шоҳмурод // 7^a↓ бек²¹⁹⁶ йигит ва лашқари бирлан Хўқанд кетиб, бу юртлар бўш қолган сабабли осонлиғ бирлан Маллахон тасарруфига кириб, Маллахон жамъияти тамом ва жамъи қирғизия ва қипчоқия кўшини бирла Хўқанд тасхири учун жўнаб, Сомончи мавзеида бориб кўндилар. Худоёрхон ҳам тамоми Хўқанд аскарлари ва тўпу тўпхона бирлан Хўқанддан чиқиб²¹⁹⁷, Қорокулдан ўтуб кўнди. Ул кеча ётиб, эртаси намоздан сўнгра икки тараф саф тортиб, муҳориба воқеъ бўлуб, гарду ғубор офтобни хира қилди. Худоёрхон ва Маллахон мулоқий ва рўбарў бўлушуб, бир-бирлариға қилич солиб, аммо бир-бирлариға захмлари коргар тушмай, икки лашқар ҳам муаффарика бўлуб, аммо Худоёрхон аскарлари афзунроқ бўлуб, лекин Бобобек ва Муҳаммадмуродбек²¹⁹⁸ – Шаҳрисабз²¹⁹⁹ беклари Хўқандга қочиб келиб, тўпхона ва сарбозға бош бўлибдилар. // 7^b↓ Худоёрхон хуфтон вақтида Хўқандга, дохил бўлуб, Маллахон ташқарида Хўқандни қамалға олди. Аммо Мирзо Аҳмад мингбоши Сомончидан қочғонича ҳеч жойда таваққуф қилмай, Бухороға кетиб, Қосим мингбоши йўлдан қайтиб Хўқандга келиб, яна мингбоши бўлуб, лекин ташқари атрофу жавониб тамоман Маллахонга тобеъ бўлуб, ва кундан-кун қуввати ошиб(эрди).

²¹⁸⁶ Муҳаммадёқуббек Бадавлат (1820. Пскент-1877. Қошғар) – Шарқий Туркистондаги Еттишаҳар давлатининг асосчиси. 1877 йили захарланиб ўлдирилган. Асли Пскентлик бўлган. Синглиси Нормуҳаммад парвоначига эрга теккан эди.

²¹⁸⁷ Қосим мингбоши – 1277/1860-61 йили афот этган. Закотчи, ботурбоши (Тошкентда), додхоҳ, амири ашқар ва мингбоши унвонларини олган. Кейинчалик Бухоро амирлигига кетиб, амир Насруллоҳ ва амир музаффарларга хизмат қилган.

²¹⁸⁸ Саркор – хон хазинасига келими тушадиган ер, мулк, корхоналар, раста ва бозорлар, кечувлар устидан назорат қилувчи амалдор.

²¹⁸⁹ Дўстмуҳаммад – 1863 йили ҳалок бўлган. Қароқалпоқлардан.

²¹⁹⁰ Дастурхончи – хон дастурхонинг жавобгар сарой амалдори.

²¹⁹¹ Алимбек додхоҳ – 1862 йили май ойи ўрталарида ўлдирилган. Ҳасанбий ибн Шоҳмирзонинг ўғли. Олой қирғизларидан барғи ёки мундуз уруғидан. Қирғизларнинг манқуш уруғидан бўлган Курбонжон додхоҳнинг эри. Маллабекнинг қотилларидан бири.

²¹⁹² Саййидбек додхоҳ – қирғизларнинг кесик ва таит уруғидан. 1859 йили Хўжанд ҳокими бўлган. Аилқули даврида қўшбеги уновнини олиб Исфара ва Усмонида ҳоким бўлган (1863). 1865 йили шарқий туркистонга кетгани маълум.

²¹⁹³ Ўғил уғул – қирғизлар уруғларининг жамоаси номи.

²¹⁹⁴ Тайит – қирғизлар таркибидаги уруғ номи.


²¹⁹⁵ Санчиқли – туркий қабилани номи. Ўзбек ва қозоқ халқлари таркибига кирган этник гуруҳ.

²¹⁹⁶ Шоҳмуродбек (1847-1863) – Саримсоқхон ўғли. 25 феврал-4 июн 1862 йили Қўқон хони. Алиқули фармони билан ўлдирилган.

²¹⁹⁷ 15 рабиъ ал-аввал 1275/23 октябр 1858 йили.

²¹⁹⁸ Бобобек ва Муҳаммадмуродбек – кенагаслардан. Шаҳрисабз амир Насруллоҳ тарафидан босиб олинган Қўқонга қочиб келишган.

²¹⁹⁹ Шаҳрисабз – кенагаслар ҳукм сурган вилоят маркази бўлган.



Алиқулини амир ул-умаро этиб таинлаш ҳақидаги Саййид Муҳаммад Султон Саййид (1863-1865) номидан берилган ёрлик. Сешанба, сафар оyi, 1280/21 июнь, 1863 йил. Муншийси Муҳаммад Юнусжон шиғовул. Ёрлик нусхаси 1287 зу-л-ҳижжа ойининг охирларида/ 1871 йил феврал ойида Ёркандда кўчирилган.

Тўқайтефага қамал ва муҳосира иши қаттиғ бўлиб ва Тўқайтевада *Амирлашқари* марҳум Хўқанд қоровул²²⁰⁰ лариға рубарў бўлиб, уларни қочуруб, орқасидан тушган вақтда отдан йиқилиб, оёқлари андак шикастланди, яна Аллоҳ Таоло шафоат қилди. Мунинг ўзасиға, Тошканд ҳокими Султон Муродбек²²⁰¹ ҳам Хўқандға келиб, Тошкандда қолган Ўтамбой (Ўтаббий)²²⁰² *қўшибеги қипчоқ* ҳам Тошканд аҳли бирла Маллахонға тобеъ бўлуб, Худоёрхон иши ислоҳдан

ўтиб, фасодға тортиб(ди). Андижон ҳокими Сўфибек бир неча тамоми тобеот ва қўшини бирла // 8^a↓ Хўқанддан қочиб, Маллахонға қўшилдилар. Ва мунинг узасиға *Қурама* ва Кировчи ҳокими Нормуҳваммад парвоначи ҳам бир неча тавобий ва *навқар*лари бирлан Хўқанддан қочиб чиқиб, Маллахонға қўшилди. Ва Худоёрхон иши тамом бўлғонини фаҳмлаб, бир кеча эл аёғи босилғандан сўнгра ўзи ва укаси, шогирдпешалари ва хос одамлари бирлан хазинадан нақдина, пул ва нафоисларни олиб, Бухоро тарафиға қочди. Эртаси тамоми машойих ва уламо акобиру ашроф шаҳардан чиқиб, Маллахонни дуо қилиб, эъзоз ва икром бирла шаҳарға олиб кириб, бил-иттифок хонлиғ тахтиға кўтардилар. Худоёрхон Хўқанддан чиқиб, Хўжандға кириб, (шаҳар ҳокими) Муҳаммадмусо *парвоначи* ҳам эъзоз ва икром қилиб, Хўжанд аркиға қўндирди. Аммо Хўжанд сипоҳларидан Тиллохўжа ва Мир Тоҳирбек ва Мулло Бобожон деган муфсид одамлар Худоёрхон // 8^b↓ га тақарруб пайдо қилиб, иғво бирлан Маллахонға ёв бўлмоқ ва Хўқанд хонлиғини қайта олмоқ савдосини Худоёрхон димоғиға жойладилар. Муҳаммадмусо *парвоначи* бунинглаб, панд-насихат бирлан Худоёрхонни йўлга солмай, ночор *йигит*ларини йиғиб, уруш бирлан Худоёрхонни Хўжанд шаҳридан Бухоро тарафиға ҳайдадилар. Маллахон Муҳаммадмусо парвоначиға кўп илтифотлар қилиб, ул Худоёрхонни бузган муфсидларға Мир Комилбий отлиғ ва Мир Тоҳир мазкур акасини ҳам қўшиб, буларни Кўкард тарафиға банди қилиб йибориб, шул жонибда ҳалок қилдилар.

Маллахон Хўқанд тахтиға ўлтурғондан сўнгра, Қосим *мингбоши*ға Балиғчи ҳукуматини бериб, Қосим *мингбошини мингбошилиғ* мансабидан Балиғчи ҳукумати ўтишини қилмоқ қайдоқ, номуносиб ва нолайиқ ишидур деб, жузъу фуруъ ва ношукрлик қилғони сабабли азл // 9^a↓ қилиб, Қаротегин²²⁰³ ва Дарвоз²²⁰⁴ тарафиға чиқориб йибориб, Балиғчи ҳукуматин Шодмонхўжа *мингбоши*ға ва Чимён ҳукуматини *Амирлашқари* марҳум(Аликули)ға берди ва ишлар саранжом тофти.

Маллахони мазкур бағоят сарий ул-ғазаб, тундхўй ва қаҳҳор подшоҳ эди. Чунончи бир коса кимиз учун *Амирлашқари* марҳумдандан қоҳиб бўлиб, шунча қилғон жонбозлик ва давлатхоҳликларини ёдиға этмай, банди қилиб, Туркистон²²⁰⁵ға Рустамбек *додхоҳ*ға топшуруб, яна уч-тўрт ойдан сўнгра олиб келиб, қадима мансабларина берди. Ёқуббек Бадавлатға ҳам ғазаб айлаб Шаҳрихонға Бобобек *додхоҳ*ға берди. Ҳосил (ул-калом), ўшал қиш ичида Маллахон Тошканд бориб, Тошканд аскарларини кўриб, Ўтамбой *қўшибегини* Тошканд ҳукуматиға насб қилиб, Хўқанд келди ва оз фурсатдан сўнгра Ўтамбой *қўшибегини* // 9^b↓ Тошканд ҳукуматидан азл айлаб, Муҳаммадмусо *парвоначинини* Тошкандға ҳоким қилиб, унинг ўрниға Хўжандға Бобобек *додхоҳ қирғиз* ҳоким қилди.

Ва бу орада фақирни Муҳаммадмусо²²⁰⁶ *парвоначинини*(нг), умури молия ва мулкияларини саришта қилмоқ учун парвоначинини мазкур илтимоси бўйича Тошканд вилоятиға сикритар, яъни, *мирзобоши*²²⁰⁷ қилиб юбордилар. Неча муддатдан сўнгра яна Маллахон ўзлари Қаноат *оталиқ*²²⁰⁸ бирлан Тошкандға бориб, Муҳаммадмусо *парвоначинини* элотияи *қўнғирот*²²⁰⁹ ва тавобеоти *закотини*

²²⁰⁰ Қоровул – маҳрам ва соқчи, сарбоз.

²²⁰¹ Султон Муродбек (1875 йили ўлдирилган) – Марғинон (1853, 1862, 1874) ва Тошкент (1858) ҳокими. “Сохта хон” Пўлотхон фармони билан қатл этилган.

²²⁰² Ўтамбой/Ўтаббий – 1862 йили вафот этган. Қипчоқларнинг элатон уруғидан. Қурама (1847), Тошкент (1858), Марғинон (1860) ҳокими. 1852 йил қипчоқлар қирғинидан Худоёрхон ҳомийлиги натижасида амон қолган эди.

²²⁰³ Қаротегин – Ҳисор тизмасининг жанубий тармоғида, Душанбе шаҳрининг шимол-шарқида жойлашган ҳудуд.

²²⁰⁴ Дарвоз – Помирнинг ғарбий қисмидаги Обихингов, Панж ва Ванч (Панж хавзаси) дарёлари оралиғида жойлашган ҳудуд маркази. Ҳозир ноҳия маркази.

²²⁰⁵ Туркистон – қадимги Яси. Сирдарё куйи оқимидаги шаҳар. Истеҳком ва қалъа бўлган.

²²⁰⁶ Муҳаммадмусо парвоначи – турк кабиласидан. Шаҳрихон (1852), Хўжанд (1858), Тошкент (1858-1859), ҳокими Зомин қалъасининг кутволи (1861). Яъқубек давлатида тўқсабо ва салом оғаси унвонида Оксу ҳокими бўлган. 1877 йили Фарғонага қайтган.

²²⁰⁷ Мирзобоши – сарой девонидаги мирзоларнинг бошлиғи.

²²⁰⁸ Оталиғ /атолиқ – тахт эгаси ёки ворисининг ота ўрнидаги маслаҳатчиси, мураббийси (регент). У(лар) давлатда энг кучли бўлган қабила бошлиқлари ёки ижтимоий табақа вакилларидан тайинланган.

²²⁰⁹ Қўнғирот – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Илк ўрта асрларда Олтой, Мўғулистоннинг шимолий қисмида яшаганлар. Ўрта Осиёда турли кўчманчи туркий қабила ва уруғлар қўнғиротлар атрофида уюшиб, уларнинг қабилавий номини қабул қилишган. XIV асрда Хоразмда қўнғиротлар зодагонлари орасидан суфийлар сулоласи ҳокимият тепасига келган. XVI асрда улар Ўзбек улусидаги туркий қабилалар таркибига кирган. Улус парчаланиши билан қўнғиротлар ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва бошқа халқлар таркибига кирган. XIV–XVI асрлар давомида қўнғиротларнинг айрим гуруҳлари Хуросон, Шимолий Афғонистон ва Ҳисор-Шеробод водийсига келиб ўрнашганлар. Этнограф Б. Х. Кармишева қўнғиротларни 5 та катта уруғдан: вахтағали, қўштағали, қонжиғали, ойинли ва тортувлидан иборат эканлигини кўрсатган. Қўнғиротлар

олмоқ учун буюриб, жаноби хон ва аркони давлат лавозими зиёфат ва меҳмондорликларин қилмоқ учун Тошкандда қолиб, муддати йигирма икки кун хизматкорлик камарини боғлаб ва Муҳаммадмусо *парвоначи* ҳам *закотчи*²²¹⁰ лик ишидан фориғ бўлиб қайтиб келди. Хон Қаноат *оталиқ*²²¹¹ ни буюриб, Муҳаммадмусо *парвоначини* ҳисоб қилдуруб // 10^a↓, аксари зарурия сарфларини тан олмай, йигирма икки минг тилло қарз бирлан Тошканд ҳукуматидан азл айлаб, ўрнига Рустамбек *додхоҳ* Қозоқбой ўғли²²¹² ни Тошкандга ҳоким қилиб, Хўқандга мурожаат қилди. Бир неча муддатдан сўнгра Рустамбеки мазкур тамоми Тошканд ва тавобиоти қўшини бирлан Русия дафъи учун Фишкак²²¹³ тарафиға отланди.

Эмди бу ерға етканда аввалги ва келаси сўз боғланиши учун Русия аҳволидан баён қилмоқ лозим кўринди.

Бу фаслда Хўқанд хонлари бирлан Русия давлати оралариға тушган воқеаларнинг ибтидосининг баёни турур

Маълум ўлғайким, Русия султонлари бирлан Хўқанд хавонинлари оралариға аввалдан ҳеч муҳолифат ва душманлик тушмай, ҳамиша муҳаббат ва ошнолиғ бўлуб, бизларни(нг) асримиздан илгари Умархон вақтида Хўқанддан Шодмонхўжа *мингбоши* амакиси Турсунхўжаи *судур*²²¹⁴ // 10^b↓ (билан) Фитирбурхға элчи бўлуб боруб, Импротури аъзам ғоятда (уларни) эъзоз қилиб, муддати қирк кундан зиёда Фитирбурхда иззат бирлан таваққуф қилиб, ундан сўнгра хушвақт ва хурсанд қайтариб, Чу сойидан бери тарафға русияға аскарлари ва нари тарафға Хўқанд аскарлари ўтмасға муқаррар қилиб, иттифоқ бўлган эрканлар.

Яна (бир дафъа) Муҳаммадалихоннинг ибтидои давлатида жаноби ҳидоятпаноҳ мазҳари лутфи раби жалил ҳазрати Миён Халил Соҳибзода²²¹⁵ ки, сидқуфтор ва олинасаб ва вафурҳасаб ва камоли зуко ва хушмандлиғда ақли мужаррар, демоқға лойиқ ва муносиб эрдилар, Муҳаммадалихон тарафидан ба тариқи элчилик ва сафорат, Фитирбурхға борибди. Импротури аъзам ниҳоят иззат ва эҳтиром айлаб, мувофиқи фазлу донишлари Эрон, Хоразм ва бошқа вилоят элчиларидан сарфи назар қилиб, муқаддам ўлтурғизиб, тамоми муддао ва мақсадларини // 11^a↓ қабул айлаб, хушвақт ва сарафроз ёндуруб, икки подшоҳ орасинда муҳаббат ва дўстлик биноси ниҳоят истехком топти. Ҳаттал-амр Тошканд ҳокими Лашкар²²¹⁶ *бекларбеги*²²¹⁷ Чу сойидан ўтиб, шимол тарафидан Улуғтоққа ва машриқ тарафидан Қаппалғача кўрғон солиб, бу ўртадаги элотияларни Хўқанд ва Тошкандга тобеъ қилиб, закот ва улфон олурсан демай фориғбол кўюб, Хўқанд тавобиоти камоли вусъат топиб, ниҳоят даража ободлиқға етиб эрди.

Аммо бу орада Тойчиқ тўра ва Аҳмад тўра ва Сиддиқ тўра²²¹⁸, оталари Кенжасари тўра деган Қосим ўғли шўхроқ ва бебокроқ чиқиб, Ўрусия тавобеотиға дахл ва тааруз еткариб, молу

орасида энг катта гуруҳ вахтамғали бўлиб, у 18 та катта уруққа бўлинади: очамайли, боймоқли, тароқли, чанчиқли, қозоёкли, чўмичли, қайчили, ишқили, қийғочли, жилонтамғали, болғали, қора қўнғирот, буғажили, уювли, хандақли, ирғоқли, абокли, кесовли. XIX аср охири XX асрнинг бошларида Қўнғиротларнинг аксарияти ярим ўтроқ ҳолда яшаб, хўжалигида чорвачилик муҳим роль ўйнаган.

²²¹⁰ Закотчи – закот йиғишга мутасаддий амалдор.

²²¹¹ Қаноат оталиғ – Қаноатшоҳ оталиғ тожик (1862 йили ўлдирилган). Қаротегиннинг Самсолиқ қишлоғида оламга келган. Шўғли Одилбек, укаси Давронбеклар билан Қўқон хони Муҳаммадали хизматиға келиб кирган. Қўқон хонлари ва бухоро амири Насруллоҳ ва Музаффарга ҳам хизмат қилган. Жиззах (1855-1856), Туркистон (1856-1857), Марғинон (1859), Тошкент (1860-1862) ҳокими. Рус босқинчиларга қарши Узуг Ағач муҳорабасида Қўқон қўшиниға бошлиқ бўлган ва шу урушдан сўнгра ғозий унвонини олган. Амир Музаффар фаромни билан катл этилган.

²²¹² Рустамбек додхоҳ Қозоқбой ўғли – Туркистон (1858-1859), Тошкент (1859-1860, тўққиз ой), Туркистон (1861) ҳокими. 1862 йили дастурхончи бўлган.

²²¹³ Пишкак/Пишпак/Бишбек – форс-тожик тилидаги “пеш” – олд, олдин, “пайк” – даста, гуруҳ қўшин дегани. Чегарадаги мудофаа учун қолдирилган муқаддам қўшин ва унинг истехкоми. Ҳозирги Бишкек шаҳри.

²²¹⁴ Судур – аслида садри судур, барча садрларнинг бошлиғи. Садрлар вақф мулкларига мутасадди амалдор. Шулар устидан судур назорат қилган. Сайид ва хўжалардан тайинланар эди.

²²¹⁵ Миён Халил Соҳибзода – Қўқондаги тасаввуф пирларидан бўлган.

²²¹⁶ Лашкар – бекларбеги. Асли номи Ғуломшоҳ Чатрорий. Умархон хос маҳрамларидан бўлган. Иноқи калон (1814-1815), Тошкент ва Дашти Қипчоқ ҳокими (баъзи танаффуслар билан 1816-1841). Кўлб ва Давроз (1830) ва Жанубий Қозоқистон (1834)га қилган юришларни бошқарган. Эшонқули додхоҳ деган ўғли бўлган ва унинг Тошкентда бино этилган иккита мадрасаси (Қўшмадраса) маълум. Шўролар даврида бузиб ташланган.

²²¹⁷ Бекларбеги – бекларнинг беги. Шарафли ҳарбий унвон. Амир ал-умаро унвони билан тенг бўлган.

²²¹⁸ Тойчиқ тўра ва Аҳмад тўра ва Сиддиқ тўра – булар Аблайхонни катта ўғли Кенасари Қосимов (1792-1847) нинг ўғиллари бўлишган. 1837-1847 йиллар давомида Ўрта жуз хонлари ҳукуматиға тиклаш учун Россия ва Қўқон билан кураш олиб борган. Сиддиқ тўра (1837 оламга келган) 1864 йилдан Шарқий Туркистонда Хитой ҳукуматиға қарши курашда фаол иштирок этиб, Қўқонга қайтган. Акаси Арслон тўра билан бирга қозоқларнинг дуғлат ва арғин уруғлари

амволларини ғорат ва торож қилгани сабабли фуқаро Русия сардорлариға арз қилиб ва Ўрусия аскарари Кенжасари тўрани қувлаб ва тўранинг ўрус аскарлариға муқобила бўлмоқға тоқат келтурмай, бери // 11^б↓ суриб қочиб, кам-кам ушбу тариха бирла Ўрус тавобиоти Тошканд тавобиоти бирла арашиб яқинлаштилар. Кенжасари тўра Ўрусияға қилгон иши ўзасиға Хўқандға ёв бўлуб, (Тошканд) тобеи Сузоқ деган жойни қозоқия кўшини бирлан қамади. Сузоқ ҳокими Раис деган ғайратлик киши эрди шужоат зоҳир қилиб, Кенжасари тўра аскарини шикаст ва ҳазимат бериб ёндурди. Кенжасари тўра бир неча муддат Иткечук ва Авлиё отаға тобеъ элотия орасинда юриб, охир ул-амр тақрибан сана 1263 хижрийда²²¹⁹ Фишкак тавобиоти Кабклик сангари мавзеида султа ва сари бағиш²²²⁰ қирғизиялари ҳам бўлуб, Кенжасари ўзасиға келибди. Тўра мазкурлар бирлан урушиб, тамоми тавобиотлари бирлан мақтул бўлди.

Яна Оқмасжид тарафидан Раҳим қалъаси²²²¹ деган жой, аввалан Урганж тобеъи ва ул ерға Урганж хони тарафидан Хожа Ниёзбек деган ҳоким // 12^а↓ (эди, шу) учун «Хожа Ниёз кўрғони» атар эрдилар. Бу Хўжа Ниёз ҳам кўтоҳақл ва камандеша одам эркан. Раҳим корвонбоши²²²² деган киши Бухоро корвони ва кўп юк бирлан келганда, Хўжа Ниёз: «Мен бу молу юкларни очиб закот қилурман», деб (корвонни тўхтатади]. Раҳим корвонбоши: «Мунда закотлик мол йўқ, тамоми закотини Бухорода берганмиз», деса ҳам, қабул қилмай: «Мен закотлик молни ўзим топиб оламан», деб юкни ешгунча сабр қилмай, арқонларини фичоқ бирлан кесиб, савдогар моли паришон бўлиб ва қанчаси йўқолиб, юк боғлайдургон борбандчи²²²³ йўқ ва юк боғламоқға арқон тополмай, савдогарлар кўп кулфат ва меҳнатлар чекиб, ташвиш тортиб (эрканлар]. Шулуш дафъа Раҳим корвонбоши импротури аъзамга: «Йўлда бу навъ қароқчи ва қитоъ ут-тариқ бор, эмди бизларға савдогарлик ва авқот қилмоқ мушкул бўлди», деб йиғлаб, арз қилиб(ди]. //12^б↓ Импротури аъзам маҳз йўл эминлиги ва савдогар тинчлиги учун аскар йиборибди. Хўжа Ниёзбек маҳориба қуввати йўқ учун Урганж тарафиға қочиб, Ўрусия аскарари мазкур кўрғонға жойланиб, Раҳим корвонбоши арзи бирлан олинган сабабли «Раҳим қалъаси» деб от кўтарди.

Бу сабаб бирла Оқмасжид²²²⁴ тарафидан Русия аскарари ва фуқароси Хўқанд аскарари ва фуқаросиға аралашиб ва фуқаро ва ўша халқ ораларида мунозиат ва мухосимат тушиб, дўстлик биносиға хеле халал етди.

Мунинг ўзасиға, Муҳаммадалихон охири айём давлатида Ҳожи Қурбон отлиғ бир ноқис ул-ақл ва хазиф ул-хираду сифла ва асфия одамни элчи қилиб Фитирбурхға юборди. Бу элчилар Русия сарҳадиға борганда, сарҳад ҳокими буларни тўхтатиб, элчи келган хабарини импротури аъзам хизматлариға маълум айлаб(ди]. Импротури аъзам: «Алҳол Фитирбурхда Масковда бу жавонибда шиддатлиғ қаттиғ вабо бордур // 13^а↓, менинг ўз фуқаром ва аскаримдан ҳар қанча ўлса, Худойи таоло тақдири ва ризоси деб сабру таҳаммул қилурман, аммо менға дўстликдан элчи юборган подшоҳни(нг) бир камтарин нафар одамиға вабо тегиб нобуд бўлса, унинг афсус ва ҳасрати ҳаргиз кўнглумдан чиқмаса керак. Элчилар не тариха хоҳласалар, шу тариха иззат ва эҳтиром бирлан тўхтатиб, хатларини менға юборинглар ва мен ҳар на илтимос қилгон бўлсалар, тамоман қабул айлаб, хушвақту хуррам қайтарай», деб жавоб ёзган эрканлар.

Ҳожи Қурбон бу сўзни эшитиб, ниҳоят камақлик ва беҳирадлик узасидан арбада (жанжол) қилиб: «Мен хатимни сизлар қабилли одамға берадургон киши эмасман, ўз қўлим бирлан импротури аъзам қўллариға топшириб, оғзиларидан қулоғим бирлан сўз эшитиб қайтадургон одамман!» деб, ҳазёнот ва беҳуда калимот бошлаб (юборибди].

Ва Русия // 13^б↓ бошлиғлари: «Оре, рост. Биз хўб билдук ва тажриба қилдук. Сан на мусулмон ва на насроний ва на жухуд ва на габру, на ҳиндий ва ҳеч бир дин эгаси одам эрмас экансан. Қиладургон ишинг кечаси арақ ичиб, масту пиён бўлиб, хушдан ажраб, зино қилмоқ ва Муҳаммадалихону Лашкар *бегларбеги* шуқуҳи ва шикоятини ва дашному ҳақоратини қилмоқ ва субҳидамда ит каби уйқуламоқ ва кундуз беҳуда сўзламоқдур. Худо амрини ва ўз хонининг қадрини ва валинеъматини шуқри неъматини билмаган одам бизни(нг) подшоҳимиз қимматини нечук билсун!

иштирокида Тошкент мудофаасида иштирок этган. 1865 йили Қашқарга кетган, 1867 йили Бухорога қайтиб амир Музаффар хизматида бўлган. 1868 йили амирнинг катта ўғли Абдумалик тўранинг отасиға қарши курашиға ёрдам берган. 1877 йили Бадавлат вафотидан сўнгра Қошғардаги Хитойга қарши ҳақракатларда қатнашиб, мағлубиятдан сўнгра Туркистонга қайтиб, 1888 йилдан Чимкент уездидаги Арис дарёсининг бўйларида яшаган.

²²¹⁹ 1846 20 декабр-1847 8 декабрь.

²²²⁰ Султа ва сари бағиш – қирғиз (қозоқ) уруғлари номи.

²²²¹ Раҳим қалъаси – Сирдарё куйи оқимида Хива хони Муҳаммадраҳимхон барпо этган истехком. Яна бир номи Жанкет/Жанкент бўлган.

²²²² Корвонбоши – савдо корвони бошлиғи.

²²²³ Борбандчи – юк бойлаб берувчи.

²²²⁴ Оқмасжид – Сирдарёнинг куйи оқимида жойлашган Қўқоннинг истехкоми.

Кет! Йўқол! Бизларга касофат ва шумлуғунг йўқмасун!»), деб импротурға маълум айлаб, шарманда этиб хоиб ва хосир ёндирдилар. Бу сабаб дўстлик қасри инҳидом топиб (бузулиб), муҳаббат ва ошнолик орадин кўтарилди²²²⁵.

Такрибан ва тахминан сана 1266 ҳижрийда (милодий 1849-50 йили) Мусулмонкули *мингбоши* Хуқандда // 14^a↓ Муло Холбек *қўшбеги*, Муҳаммаджон *лашкарбоши* ва Раҳмонкули *додхоҳларни* ўлдургани сабабли Тошканд ҳокими Нормухаммад *қўшбеги* ва Мулло Каримкули *дастурхончи* ва Мулло Қулбобо *рисолачи*²²²⁶лар Тошкандда Мусулмонкул *мингбоши*га ёв бўлуб, Мусулмонкул *мингбоши* Хўқанд кўшини бирлан Тошкандни қамаб турғон вақтда Нормухаммад *қўшбеги* Ёқуббек Бадавлатни Оқмасжиддан олиб келиб, Тошкандга *баходирбоши*²²²⁷ қилдилар. Бадавлат Мусулмонкули бирлан Чалчиқ (Чирчиқ) лабида урушиб, Мусулмонкули шикаст топиб, қирғизия тарафиға қочти²²²⁸. Ани(нг) ўрниға Ўтамбой *қўшбегини мингбоши* қилиб, Худоёрхон бирлан Хўқанд тарафиға жўнатдилар.

Ушбу ерда Ўрусия лашкари бирлан мусулмония лашкарини ибтидои уруш қилғонларини(нг) баёни турур

Ва бир мунча ўрус лашкари бир *футпулқувлик*²²²⁹ (бошчилигида) Оқмасжид узасиға // 14^b↓ келуб, Ёқуббек Бадавлат ноиби Мулло Муҳаммад Ризо *баходирбошини* қамади²²³⁰. Ва бу хабарни эшитган замон Ёқуббек Бадавлат (ва мен) Тошканд аскари (бирлан) Оқмасжид мадади учун шитоб ва таъжил бирлан жўнадук. Бу Ўрусия аскари Оқмасжидни қаттиғ муҳосира қилиб ва тўплари ўқи шаҳарға тушиб, ёрулуб танг қилиб турғон маҳалда, иттифоқан шаҳардан отган бир тўп ўқи Ўрусия тўпиға тегиб, урусия тўпи синибди. Анинг ўзасиға, Бадавлат ҳам яқинлашиб ва Русия Оқмасжид устидан кўчиб кетти. Бадавлат Оқмасжидга кириб, уч-тўрт кун туруб, Оқмасжид ишини саранжомлаб, андин сўнгра Тошканд келиб, бир ҳафта туруб, бу муддатда Нормухаммад *қўшбегидан* ёшируб тамоми Тошканд акобирлари амсоли Шодмонхўжа *мингбоши*, Муҳаммадниёз *понсадбоши*²²³¹, Фозилбек *понсадбоши*²²³² ва Қосим *понсадбоши* ва тамоми акобирлар Бадавлат бирлан би-л-иттифоқ *қипчоқияни* ўртадан кўтармақға // 15^a↓ аҳду паймон қилиб, Қуръон кўтариб, сўзларини бир жойға қўюб, Хўқанд тарафиға жўнадилар. Ва андин ўтиб Шаҳидон кўнғонларида яна аҳду паймонларини янги бошдан истехком қилиб бердилар. Андан кўчиб, Чилмахрам кемасиға келганда, Хўқанд шаҳридан Хўжа Калонтўра²²³³ ва Каримкули *меҳтар*²²³⁴ ва Муҳаммадназар *парвоначи* Хўжанд ҳокими ва Мўминхўжа *додхоҳлардан* одам келиб, аҳду паймон қилиб, Қуръон кўтариб (онг ичиб) ёндилар. Ўшал куни дарёдан ўтиб Чорбоғи тўранги мавзеиға кўниб, ул ердан субҳи содиқдан илгари кўчиб, жиноби Бадавлат тамоми аскария бирла илгари тушуб, Нормухаммад *қўшбеги* бир андак *махрам*²²³⁵ *ясовул*²²³⁶ и бирлан кейин қолиб(ди)].

Офтоб тулу қилиб чиққан вақтда Хўқанд ўрдасининг дарвозаси олдидағи сойға (биз ҳам) ҳозир бўлдук. *Қипчоқия* ҳам салом учун ўрда ичинда жамъ эрканлар. Шул дамда Бадавлат //15^b↓ ишораси бирлан тамоми аскария қиличларини ғилофидан чиқориб ва милтиқларини ростлаб: «Хар жойда *қипчоқия* бўлса, ўлдурунлар!» деб баланд овоз билан, якбора отлик ва пиёда арк ичиға кириб, хон хузурида дастурхонда ўлтурғон *қипчоқияни* ҳам судраб олиб чиқиб ўлдуриб, ул куни²²³⁷ Ўтамбой *мингбоши* ва Нормухаммад *қўшбеги* ва фарзандларидан бошқа Хўқанд шаҳрида тирик *қипчоқ* қолмай ўлдирилиб, андин сўнгра Қосим *понсадбоши*ға *мингбошилиқ* ва Мулло Сайфиддин²²³⁸ға

²²²⁵ Ҳожи Мир Қурбон Россияга 1828 йили элчи бўлиб борга ва улар 1831 йил кузида Тобольскдан вабо эпидемияси сабабли қайтарилган эди.

²²²⁶ Рисолачи – сарой ва хон хузуридаги воқеанавис.

²²²⁷ Баходирбоши – баходир, ботирлар, мунтазам кўшин аскарларининг бошлиғи. Вилоят ҳарбий кучлари бошлиғи.

²²²⁸ 1852 йил июн ойида.

²²²⁹ Футпулқувлик – подполковник.

²²³⁰ Бу рус зобити И.Ф. Бларамберг бўлган. 20 июль 1852 йилда бу воқеа содир бўлган эди.

²²³¹ Муҳаммадниёз понсадбоши (ваф. 1857 й.) – Турсунмуҳаммад ўғли. Тошкент (1852-1853) ҳокими, мингбоши (1854-1857).

²²³² Фозилбек понсадбоши (ваф. 1857 й.) – Арслонбек қароқалпоқнинг ўғли. 1857 йили дастурхончи бўлган. Унинг ўғли Зулфиқорбек 1874-1875 йй. Худоёрхон хизматида бўлган.

²²³³ Хўжа Калонтўра – асли номи эшон Зоҳидхўжа. Хўжанд (1842-1843) ҳокими ҳам бўлган. 1852 октябрида вафот этган.

²²³⁴ Меҳтар – олий амалдор дегани. Молия ишларига жавобгар амалдор.

²²³⁵ Маҳрам – хос соқчи, ходим ва хизматкор

²²³⁶ Ясовул – отлик ва пиёда сарбоз (ясо бажарилишини назорат қилувчи сарбоз).

²²³⁷ 12 ёки 13 октябр 1852/27 ёки 28 зу-л-ҳижжа 1268 йили.

²²³⁸ Мулла Сайфиддин (ваф. 1854 йилдан кейин) – шиғовул ва дастурхончи бўлган.

дастурхончилик ва Бадавлатга *шиговул*²²³⁹лик ва Муҳаммадниёз *понсадбоши*га Тошканд ҳукумати ва Маллабекга Ёрмозору Марғинон ҳукумати ва Дўшабой *қурама*²²⁴⁰га Кировучи ҳукуматини ва Муҳаммадназир *парвоначи*га Хўжанд ҳукуматини бериб, уч-тўрт кун шаҳарда туруб, шаҳар ишини саришта қилиб, андин сўнгра Мусулмонқули *мингбоши* ва боқий *қипчоқия* дафъи учун Икки сув ораси тарафиға азимат қилиб жўнадилар. Ва ул // 16^a↓ мавзега борғандан сўнгра Мусулмонқули *мингбоши* ҳам тамоми *қипчоқия* бирлан жонларидан кечиб, жамбияти азим айлаб, муқобала бўлиб, муҳориба қилдилар. Уруш ниҳоят даража қаттиқ бўлуб, *қипчоқия* халқи ва Худоёрхон кўшини ҳар иккала тараф паришон ва пароканда бўлсалар ҳам, аммо Худоёрхон ва Маллабек ва Шодмонхўжа *мингбоши*, Қосим *мингбоши* ва авлоди Куликадин Андижон ҳокими Исо парвоначи²²⁴¹лар маъракада собитқадам туруб ва Мусулмонқул лашкари билкуллия мағлуб ва мунҳазим бўлди²²⁴². Охируламр, тамоми *қипчоқия* Мусулмонқулдан юз ўгириб, ани(нг) тадбири ва маслаҳатиға кулоқ солмай, Мусулмонқулни ушлаб, «Ямонимиз шул эрди», деб Худоёрхонга тутиб топшурдилар. Бу қилган ишлари *қипчоқия*га ҳеч нафъ ва фойда бермай, балки Хотамқул *парвоначи*²²⁴³ ва Холмуҳаммад *додхоҳ*²²⁴⁴ ва мунга ўхшаш тамоми акобир ва сардорларини Худоёр ўлдириб ва Мусулмонқулни Йўлчибек *додхоҳ* (лўли) кўлидан // 16^b↓ Хўқанд йибориб, дорға остуруб ўлдуруб, Худоёрхон ўзи муружаат айлаб, Хўқанд келиб ўлтурди.

Аммо Маллабек бағоят тундмизожу бебок эди. Марғинон Хўқандга ниҳоят яқин учун Худоёрхон Маллахон важҳидан ташвишнок бўлуб, ҳар нимадур йироқроқ жойда турсун, деб Муҳаммадниёз *қўшбегини* Тошканд ҳукуматидан азл айлаб, Маллабекни Тошкандга ҳоким қилиб йиборди. Маллабек Тошканд бориб, Абдували²²⁴⁵ деган одамни Оқмасжидга ҳоким қилиб йибориб, ўзи андак муддат ичидан Худоёрхонга ёв бўлиб, хонлик даъвосини қилди. Худоёрхон Маллабек дафъи учун тамоми Хўқанд аскарлари бирла отланиб, Хўжанд йўли бирла юруб, Хужандга Муҳаммадназар *парвоначи* ўрниға (Ёқуббек) Бадавлатни ҳоким қилиб, ўзи Тошканд бориб, Маллабекни қамаб (олди)].

Русия иккинчи мартаба Оқмасжидни муҳосира қилғонини(нг) баёни турур

Бу орада Ўрусия аскарларидан // 17^a↓ бир қатта сардор²²⁴⁶ бир мунча аскар ва тўпу тўпхона бирлан келиб, Оқмасжидда Абдувалини муҳосира айлаб ва мазкур (сардор) Абдувалига «уруш яхши эрмас, ҳар нимадур силоҳ бирлан тофишайлик», деб одам киргузса ҳам, Абдували тундхўйлуқ айлаб ва мунинг узасиға Абдувалини мазкур ўрус сардориға: «Сиз кўрғонга келинг, икковлон сўзлашиб аҳду паймон айлаб, топишиб, мусолиҳа қилайлик», деб одам йиборибди. Ўрус сардори мунинг сўзиға ишониб, бошлиғлари бирлан милтиқларини ушламай ва қилич боғламай, бе яроғу анжом, хотиржамлик бирлан кўрғон олдиға келибди. Абдували хиёнат қилиб, тамоми мерганларини кўрғон ўзасиға чиқариб, ҳаммалари ўрусияни нишона қилиб, якбора «Отинглар!» деб буюриб, ҳаммалари якбора ўрусияни отибдилар, аммо Худованди таоло сақлаб бирор нафар ўрусия ё отлариға ўқ текмай, ҳаммаларини // 17^b↓ саломат жойлариға қайтибдилар. Андин сўнгра ўрус сардори Абдувалига: «Бу қилғон ғадр хиёнат бирла сенинг қонинг менға мувоҳ бўлди», деб муҳосирани қаттиғ қилиб, кўрғон девориға нақб қовлаб, дору тўлдириб, кўп ўт кўюб, кўрғонни йиқитиб, раҳнадан аскарлари шаҳарга югуриб, Абдували бир неча тавобеи бирла ўлиб ва ярадор бўлган ярадор бўлиб, Русия аскарлари қаҳру ғазаб ва ғалаба бирла шаҳарга тўлуб Русия сардори дафъатан шаҳар ичидаги хотунларни бир ерға жамъ қилиб оқмасжидлик ва ул ерда ота онаси ва эри бор хотунларни эри ва ота онасиға тофшуруб ва мусофир амсол тошкандлик ва хўқандлик мусофир хотунларни Қаробаш Хўжа деган туркистонликга буларни олиб бориб шавҳарлариға беринг деб, тақид бирла тофшуруб бирор хотунга дахл ва тааруз

²²³⁹ Шиговул/шаговул – сарой мансаби. Бухоро ва Қўқон хонлигида элчиларни хон қабулига олиб кирувчи мансабдор шахс, сарой ва девоннинг юқори амалдори. Саройдаги қабул маросимларини бошқарган ва назорат қилган. Улар мустақил равишда дипломатик музокаралар олиб боришмаган.

²²⁴⁰ Дўшабой қурама нинг ўғли Муҳаммадjon мирзо Ҳожи (тавал 1841 й.) 1864 йили юзбоши эди.

²²⁴¹ Исо парвоначи (ўл. 1853 й.) – асли номи Исҳоқ бек, йуз қабиласидан. Баҳодирбек ибн Худоёрбий ибн Фозилбий ибн Садиқбий ибн Хушиқабий ибн Қулиқа бий ўғли. 1842 йилгача шахрисабзда яшаган. 1842-1844 йй. амир Насруллоҳ томонидан Ўратефа ҳокими этиб таинланган. Қоконликлар бу шаҳарни босиб олгач у бир муддат тутқунликда ушланди ва 1847 йили яна Ўратефага ҳоким этиб таинланди 1849 йили Худоёрхон фармони билан қатл этилган.

²²⁴² Уруш 24 октябрь 1852/9 муҳаррам 1268 йили содир бўлган.

²²⁴³ Хотамқул парвоначи – Тўра кўрғон ҳокими, қипчоқларнинг ўлмас уруғидан. Уни Қилич кўрчи ибн Абдуллоҳбек Қўқон бозорида омма олдида қатл этиб, шу билан отасининг қасосини олганга ўхшайди.

²²⁴⁴ Холмуҳаммад додхоҳ – Бекмуҳаммад додхоҳнинг отаси бўлган.

²²⁴⁵ Абдували (ваф. 1853 й.) – қипчоқлардан бўлган Шоди мингбоши (ваф. 1844й.)нинг жияни, Шоҳи Марғинович кўшбеги синглисининг ўғли. Маллабекнинг яқин наварларидан бўлган.

²²⁴⁶ Бу генерал В.А. Перовский (1795-1857) бўлган.

еткурмай хотиржамъ бўлуб андин сўнгра тамоми ярадорларни жамъ қилиб буларни захм ва яраларини //18^a↓ кўруб духтурға тофшуруб ўз ярадорига на қисм марҳам қўйса ва на тарика қилса буларға шул тарика ҳам марҳам қўюб, тарбият қилиб ҳар кун хабар олиб беҳбуд тофқонларидан сўнгра яна эҳтиётан қўлларига марҳам бериб, вилоятларига жўнатди²²⁴⁷.

Бу тарафдан Маллабек Худоёрхонға муқобиладан ожиз келиб, Бухоро тарафига қочти ва Худоёрхонға Тошканд фатҳ бўлуб, Шодмонхўжа қўшибегини ҳоким қилиб, ўзи Хўқанд қайтди. Шодмонхўжа Тошканд қўшини ва тўпу тўпхона бирлан Русия дафъи учун Оқмасжид тарафига отланиб бориб, Ўрусия тарафидан бир мунча аскар чиқиб орада андак муҳориба воқеъ бўлиб, Шодмонхўжа қўшибеги куҳнасол сипоҳ хушмандлиғи ва оқиллиғи узасидан билдиким, Русия аскарлари бирлан урушиб, обрў олиб бўлмади. Ночор тадбир // 18^b↓ узасидан бир хат чиқориб: «Менға хондан ўрус бирлан урушманг, мен ўзим импротури аъзам хизматларига элчи йибориб сўзлашурман», деган мазмунда иноятнома чиқоруб, ушбу тадбир бирла урушни мавқуф қўюб, тўпхона ва асбобу анжом бирла саломат мурожаат қилди.

Аммо Қосим мингбоши ниҳоят нодонлиғ ва ҳамоқат узасидан: «Шодмонхўжа бегайрат ва номард одам эркан, Тошканд қўшини бирлан ўрусни олмай ва Оқмасжидни фатҳ қилмай қайтмоғдан ортуғроқ номардлик иши бўларму?! Мен агар лочин ва қарчиғайларимни буюрсам, Русияни чангаллари бирлан кўтариб ташлаб, тамом қилур эдилар», деб айтди. Худоёрхон бу аҳмоқона сўзларига ишониб, Шодмонхўжа қўшибеги ва Саримсоқ додхоҳ²²⁴⁸, Муҳаммадкарим шайх додхоҳ – бу уч нафар сардорни таҳқиру ихонат бирла Хўқанд олиб бориб, Хўқанд ўртасида айни жамияти // 19^a↓ салом вақтида бу уч сардорға занона (аёлларча) либос кийдуруб, олдиларига чарх ва дук қўюб, обрўларини тўкти.

Ва Қосим мингбоши тамоми Хўқанд аскарлари ва тўпу тўпхона ва Тошканд аскарини олиб, «Фитирбурхгача ўрусдан асар қолдирмайман», деб ғурур ва лофу казоф бирлан Оқмасжид ўзасига жўнади. Булар ҳамон бориб, Бирқозон (кўли) лабиға қўндилар. Ўрусия аскарлари Оқмасжиддан чиқиб, рўбарў бўлиб, Ўрусия тарафидан беш-олти тўп отилиб, ўқлари Қосим мингбоши лашкарига оралаб тушуб, ҳеч ким ўлмай ва ярадор бўлмай, аммо Худованди таоло кўнгилларига хавфу ҳайбат солиб, тўпу тўпхона, қўшу пилта ва хаймаю чодар ва молу амвол, ҳатто бошларидаги марворид телфакларини ташлаб, от қамчи(лаб), Тошканд тарафига қочиб, йўлда очлик ва чанқоқлик кулфатини тортиб, ит азобида доҳили Тошканд бўлиб, ҳадсиз инфиол // 19^b↓ ва хижолат ва шармандалик бирлан доҳили Хўқанд бўлуб (келдилар).

Қосим мингбошини(нг) Худоёрхон ва тамоми сипоҳ ва фуқаро назарида кадру эътибори қолмади. Андак муддатда Худоёрхон Қосим мингбоши ва Намангон ҳокими Сўфибек додхоҳ ва Давронбек²²⁴⁹ ўғли Мулло Сайфиддин дастурхончи, Муҳаммадназар парвоначи ва Мўминхўжа додхоҳлардан қоҳиб ва ғазаб қилиб, Қосимбек мингбоши, Сўфибек ва Қамбарбекларни Қаротегин тарафига чиқориб юборди. Мулло Сайфиддин (дастурхончи), Муҳаммадназар парвоначи ва Мўминхўжа додхоҳларни Хўқандда ўлдуруб, Муҳаммадниёз қўшибегини мингбоши ва Фозилбек додхоҳ Арслонбек додхоҳ ўғлини дастурхончи қилди. Яна Худоёрхон оға-инилик муҳаббати ва силаи раҳм ўзасидан Бухороға Маллабекка жарчи йибориб, жамъи гуноҳидан ўтибди. У ҳам Хўқанд келиб, яна оға-ини топишиб, иттифоқ бўлдилар. Бу ҳамгомда Маллабекни ота-она бир (айний) уқоси ва Худоёрхонни(нг) ота бир она бошқа // 20^a↓ уқоси Андижон ҳокими Сўфибек Шералихон ўғли Андижонда тўй бошлаб, Худоёрхон Маллабек бирла тўй учун Андижон келдилар.

Астағфируллоҳ! Не мақомда эрдим ва не ерға келдим. Мисраъ: Кужо будам, ашҳаб кужо тохтам? (Қаерда эдим ва отимни қай ерға сурдим?). Амирлашқари марҳумни(нг) баёни аҳволи эди, таҳрир топмоғи лозим эди, аммо аввалан ёзилиб, сўз оралади.

Ҳосили калом, ул қиш ўтуб ул баҳорда Шодмонхўжа мингбошини Балиқчидан чиқориб, Туркистонға ҳоким қилди. (Ва камина мингбошидан бир ҳафта илгари Туркистон бордим]. Рустамбек ўрниға амакиваччаси Шодибек Абдусамад оқсоқол ўғли ҳоким бўлиб, Туркистон аскарлари чунон ғаройиб бўлдики, шунча аскар ичидан икки тош²²⁵⁰ йўлга ярайдурғон от топилмади. То мингбоши

²²⁴⁷ Оқ масжид босиб олганда (28 июль 1853 йил) гарнизонидаги 300 аскар, 83 нафар аёл ва 65 боладан, 226 та эркак, тўртта аёл ва 2 нафар бола ҳалок бўлиб, 35 нафар эркак, еттида аёл ва 10 бола яраланган. Рус босқинчилардан эса 34 нафар ҳалок ва 130 нафар эса ярадор бўлишган. Қаранг: Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Том I. – Спб., 1906. – С. 225-227.

²²⁴⁸ Саримсоқ додхоҳ – Кировчи (1853), Намангон (1856-1857) ҳокими. Додхоҳ (1863-1865), хидоячи (1874) бўлган.

²²⁴⁹ Давронбек – Қаноатшоҳ оталиқнинг уқаси. 1842-1844 йй. Тошкент ботурбошиси бўлган. 1847 йили Сарисоқбек ўлимидан сўнгра Бухороға кетган эди.

²²⁵⁰ Тош – форсчаси фарсанг. Узунлик ўлчови. 7-8 км.га тенг масофа.

боргунча, Оқмасжиддан бир ўрус сардори бир мунча аскар бирлан отланиб келиб, бўлак ёнига кўнди. Алқисса, Шодмонхўжа *мингбоши* доҳили Туркистон бўлуб // 20^б↓, Саййидхўжа отлиғ одамни элчи қилиб, яхши, ширин ва мулойим сўзлар айтиб, сулҳдан дам уруб, мазкур Русия сардори ҳам жойидан ҳаракат қилмай турди. Бу орада Тошканд ҳокими Қаноат *оталиғ* сўзи бирлан Шодмонхўжа *мингбоши* ўрнига Дўстмуҳаммад *қароқалфоқ*²²⁵¹ни Туркистонга ҳоким қилиб, *мингбоши*ни Хўқандга олиб келиб, тўпу тўфанларни тошпириб, ноиб²²⁵² қилди.

Учинчи мартаба Ўрусия аскари Янги Қўғонни муҳосира қилғони баёни туруп

Муни(нг) ўзасиға, ўрус сардори Янги Қўғонни қамади, деган хабар келди. Маллахон дарҳол Шодмонхўжа *мингбоши*ни Нормухаммад *қўшбеги* қипчоқ ва Баҳодурбек *додхоҳ* ва Курама ҳокими Ёқуббек Бадавлат Русия дафъи учун Янги Қўғон буюрди. Бизлар шитоб бирлан Туркистонга борсак, Русия Янги Қўғонни олиб, ичидаги аскар ва одамларни сиҳату саломат Туркистонга йибориб, Янги Қўғонни // 21^а↓ бузуб, ёндириб кетган эркан²²⁵³.

Ўзбекистон ФА ШИ да сақланаётган № 12136 нусхадан намуна

Алқисса, Янги Қўғон бориб, қайта бошдан таъмир қилмоқ ва девор урмоқ учун камина сарбоз билан, Янги Қўғонда қолиб, тамоми кўшин Жўлак ўзасиға кеттилар. Бу миқдор кўшин тўпу милтиқ хавфидан Жўлак қўғониға яқин боролмай, уч-тўрт нафар аробаға пичан юклаган русларға рўбарў бўлиб, ул русларни отамиз, деб ҳамла қилибдилар. Русиялар милтиқ отиб Баҳодурбек *додхоҳ*ни баданидан ярадор қилиб, ўзлари саломат Жўлак

Қўғониға, бу қадар кўшинлар эса, аробаға кўшган беш-олти адад хўкузларни ўлжа қилиб, Янги Қўғонга ёниб келдилар.

Алҳосил, Янги Қўғон деворларини кўтариб, Туркистон ҳокимиға топшириб, мурожаат айлаб, Хўқанд келдук. Маллахон Шохмурод // 21^б↓ бекни Намангон ҳокимлигидан азл айлаб, Шодмонхўжа *қўшбеги*ни ҳоким қилди. *Қўшбеги*ни мазкур доҳили Намангон бўлуб, муддати бир ярим ой ўтгандан сўнгра, Аҳрор тўра деган одам Маллахондан бир иноятнома кўтариб келди. Мазмуни «Намангон кўшуни бирлан дарҳол Хўқандга ҳозир бўлунг», деб буюрган эркан. Шул сабабли *қўшбеги*ни мазкур каминани ўринлариға кўюб, ўзлари Намангон кўшуни бирлан Хўқанд келдилар. Мазкур *қўшунбеги* Хўқанд кўнғандан сўнгра, Олимбек *додхоҳ* ва *қипчоқ*ни одамлари Маллахоннинг хос одамларидан Хидир *қирғиз додхоҳ*²²⁵⁴, Муҳаммад Иброҳим *мирзабоши* ва Дўст *меҳтар*, буларға ўхшаш одамлар Маллахон бадхўйлигидан жондин тўйган одамлар иттифоқ бўлибдилар. Бир кеча Маллахон ётқан жойиға босиб кириб, қилич бирлан чофиб, Каримқули *қипчоқ* қиличи захми бирлан шаҳид қилиб²²⁵⁵, эртаси Шохмуродбекни хон кўтариб, Шодмонхўжани // 22^а↓ *мингбоши* айлаб, Намангонга

²²⁵¹ Қароқалфоқ/қорақалпоқ – Ўрта Осиёдаги халқ, Ўрат Осиё, Туркменистон, Қозоғистонда, Россияда, Афғонистонда, Эронда ҳам яшайди. Қорақалпоқ тилида сўзлашади. Мил. II аср охири – IV асрларда Орол бўйи чўлларига Шарқдан хунлар, VI-VIII асрларда эса туркийлар келиб маҳаллий қабилалар билан қисман аралашиб кетган. Мана шу этник негизда Орол бўйи илк ўрта аср халқлари – бижанақлар ва ўғузларнинг шаклланиш жараёни кечган, уларнинг муҳитида VIII-X асрларда Қорақалпоқларнинг ҳам шаклланиши бошланган. X асрнинг бошида бижанақларнинг бир қисми Ғарбга, Жанубий рус чўлларига кетган; Киев Руси ҳудудига келиб жойлашган қабилалар рус йилномаларида “чёрные клобуки” (қора қалпоқлар) деб ном олган. Волга-Урал оралиғида қолган бижанақларнинг шарқий қисми Иртиш ҳавзасидан келган қипчоқлар билан аста-секин аралашиб кетган, уларнинг тилини қабул қилган. Манбаларда қипчоқ уруғ-қабилалар иттифоқида “Қорақалпоқ” атамасига мос келувчи «қора бўркли» этноними учрайди. Мўғуллар истилоси даврида Рашидиддин асарида «қавми кулоҳи сиях» номи билан қайд этилган. Чингизхон босқини оқибатда улар Ғарбга – Волга бўйларига, Сарикамиш, Ўзбўй ва Амударёнинг қуйи оқими бўйларига кўчишга мажбур бўлганлар.

Қорақалпоқлар ярим ўтроқ ҳаёт кечириб, суғорма деҳқончиликни чорвачилик (айникса, қорамол) ва балиқ овлаш билан қўшиб олиб борганлар. Уларнинг аксарият қисми XVII-XVIII асрлар ўрталарида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими бўйлари (Туркистон, Жанкент, Чирикработ) ҳамда бир қисми Орол минтақасида (Кўнғирот, Шохтемир ш.) яшашган. Бирок Ёйиқ ва Эмба дарёлари бўйларида ҳам улар истикомат қилганликлари ҳақида маълумотлар бор. 1743 йили қозоқ хони Абулхайрон қароқалпоқларга ҳужум қилган, натижада сирдарёлик қароқалпоқларнинг асосий қисми XVIII асрнинг иккинчи ярмида Сирдарёдан унинг ғарбий ирмоғи – Жанадарёга кўчган. XIX аср – XX аср бошида қароқалпоқларда хўжалик, ижтимоий ва оилавий ҳаётда уруғ-қабилалар тизими ва патриархал-уруғчилик муносабатлари қолдиқлари сақланиб қолган.

²²⁵² Ноиб – ўринбосар.

²²⁵³ Янги қўғон босқинчилар томонидан 23-25 сентябрь 1861 босиб олиниб, бузиб ташланган эди.

²²⁵⁴ Хидир қирғиз додхоҳ (13 май 1862 й. ўлдирилган) – қирғизларнинг ўттиз ўғул жамоасининг бошлиғи. Маллахон қатлида иштирок этган. Эшикоғоси, ҳидоячи, парвоначи унвонларни олиб, 1862 йили Марғинонда ҳоким бўлган. Шодмонхўжа ва Алиқули томонидан ўлдирилган.

²²⁵⁵ 24 шаъбон 1278/24 феврал 1862 йили.

Худойназар *додхоҳ турк*²²⁵⁶ ни ҳоким қилдилар. Камина ҳам Намангондан бўшаб Хўқандга келдим. Яна Маллахонни ўлдириб, Шоҳмуродбекни хон ва Шодмонхўжа *қўшбегини мингбоши* қилғонларини суюнчи тариқасида хат қилиб, Қаноат *оталиғ* ва (Ёқуббек) БадавлатҒақим, Туркистон устида эдилар, Дўст *меҳтар* кўлидан юбордилар. Қаноат *оталиғ* Шодмонхўжа *қўшбегини мингбоши* қилғон ваҳидан паришонхотир ва ташвишноқ бўлиб, дарҳол Бухорога киши йибориб, Чинос ва Чордара йўли бирлан Худоёрхонни Тошкандга келтириб²²⁵⁷, хон кўтариб, Хўқандга ёв бўлди. Бу хабарни эшитган ҳамон Шоҳмуродхон ва *мингбоши* ва *амирлашкар* тамоми Хўқанд кўшини бирлан Тошканд тарафиға отланиб²²⁵⁸, Хўжанд йўли бирлан Нав қалъасиники, Худоёрхон тарафидан Дўст Муҳаммад *дастурхончи* ҳоким экан, қамаб, ўшал куни фатҳ қилиб, Дўстмуҳаммад *дастурхончини* Ўзгандга йибориб, // 22^б↓ дарёдан ўтиб, Кировучи узасиҒақим, Худоёрхон тарафидан Бадавлат ҳоким эркан, бориб қамабдилар. Бадавлат аҳд риояси учун бошдан ўн-ўн беш тўп ўқ ўткунча сабр қилиб, андин сўнгра мусолиҳа бирлан чиқиб, Кировучи кўрғонини топширди. Бу мавзедан кўчиб бориб, Тошканд муҳосирасиға машғул бўлиб, фатҳ яқинлашган вақтда *қипчоқиядан* Мингбой *додхоҳ* ва Идрисали *понсад*, *қирғизиядан* Хидир *додхоҳ* ва Намангон ҳокими Худойназар *додхоҳ турк* шунга ўхшаш муфаттин одамлар (Шодмон) *мингбошини* ва (Аликули) *амирлашкар* ва Бекмуҳаммад *додхоҳни* ўлдирмак ва бошқа тариқа иш тутмак тараддудиға туштилар. Бу сўзни *мингбоши* ва *амирлашқари* марҳум фаҳмлаб, душман устида муҳолифат қилмоқ ё муҳолифларни тутмоқ ва ўлдурмоқ яхши бўлмагани учун Тошканд иши маътал ва маҳмал қолса ҳам, Хўқанд тарафиға мурожаат қилдилар. Кировучидан ўтгандан сўнгра Бадавлатни Хўжандга ҳоким қилиб // 23^а↓ юбордилар. Аммо муҳолифларни кундан-кун хилофлари зиёда бўлуб, ҳадларидан ошиб, беҳуда ҳаракат қила бошаладилар. Самғор кўнғон куни Хидир, Худойназар ва Идрисали бир неча муҳолифлар бирлан хуфтан вақтидан сўнгра *мингбоши* чодариға келиб то ярим кечгача ўлтуруб, *Мингбоши* ҳам эҳтиёт ва хушёрлиқ бирла муомала қилиб, ҳеч иш қилолмаёй ёндилар.

(Шодмонхўжа) *мингбоши*: «Кўч нағорасин куйган заҳоти мени уйғотинг», деб мени таъкидлаб, истироҳатға майл қилдилар. Фақир бедор ўлтириб, субҳи содиқ кўч нағораси куйган заҳоти *мингбошини* огоҳ қилдим. Туриб, таҳорат олиб, отланиб, хон хизматиға кетдилар. Фақир намози бомдоддан сўнгра кўшу пилталарни юклатиб, *мингбоши* туғини кўтартириб, тобе лашкар бирлан йўлга туштук. Андак фурсат ўткандан сўнгра яна Хидир, Худойназар ва Идрисали // 23^б↓ лар пайдо бўлуб, «*Мингбоши* аком қаён кетдилар?», деб фақирдан сўрадилар камина: «Кўч нағорасин куйган ҳамоно отланиб эрдилар, билмадим, хон хузурларидамукин», деб жавоб бердим. Бу жавобни эшитиб, улар ҳам хон туғиға қараб кетдилар ва бир соатдан сўнгра *мингбошидан* кўнглим ташвишноқ бўлиб, хон туғи остиға бордим. У ерда *мингбошидан* асар топмай, андин ўтиб бордим ва Кўл мавзеидан чиқиб, Хожа Ягона даштиға келсам, бу ерға кўш кўниб, *мингбоши* саропарда соясида ўлтурғон эканлар. Камина келиб салом берган эдим, илтифот айлаб, кўлларида бир жом искинжин шарбатини бердилар. Ичиб, дуо қилиб хонни(нг) яқинликдан хабардор қилдим.

Ўрунларидан туруб, хон чодариға борғанда, хон ҳам келиб, дастурхон ўтгандан сўнгра *мингбоши* ўз кўшлариғакелиб, ўтовига кириб, истироҳатға машғул бўлдилар. Камина ҳаво ҳароратидан ва гарду ғубор касратидан // 24^а↓ соч олдурмоқға машғул эрдим. Якбора *Амирлашқари* марҳум пайдо бўлиб: «Бу кун соч оладурғон вақти эмас эди», деб фақирға итобнамо қилиб, *мингбошини* сўрадилар. Камина: «Ўтовида истироҳатда», деб жавоб бердим. Ҳар дафъа, уйғотиб беринг, деб фақирға буюрар эдилар, аммо бу дафъа ўзлари кириб уйғотиб, яна икковлон хон ҳузурига кетдилар. Ўшал лаҳза икковлон хон ҳузуридан келиб, «Пешин вақти бўлибдир-му?» деб, савол қилдилар. Фақир соатға қараб, «Аввали вақт» деб жавоб бердим, Дарҳол азонға буюриб, намоздан

²²⁵⁶ Турк – ўзбеклар таркибидаги этник гуруҳлардан бири. Турклар тўртта йирик қабила (турк, мусобозори, калтатой ва барлос)дан иборат бўлган. VI– XVI асрларда ҳозирги Ўзбекистон худудига келиб жойлашган. Қадим ва ўрта асрлардаги туркий қабилаларнинг қолдиқларидан таркиб топган. Турклар таркибига турклашган мўғул қабилаларнинг айрим гуруҳлари ҳам кирган. Улар, баъзан, чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланган. Бурун туркийлар моддий ва маънавий жиҳатдан бошқа ўзбек гуруҳларидан фарқ қилмасда, айрим урф-одатлари ва хўжалик фаолияти билан ажралиб турган. XX асрнинг бошларида туркларнинг кўпчилиги тоғлардан воҳаларга кўчиб тушганлар. Улар Бухоро хонлиги худудида, Самарқанд вилояти, Фарғона водийсида жойлашган, айрим гуруҳлари эса Ўратефа, Жиззах яқинида ва Тошкент воҳасида яшаганлар. Турк қабилалари Яхсув, Қизилсув дарёлари водийларида, Хонақодарё, Кофирнихон дарёларининг юқори қисмида, Зарафшон тоғининг ғарбий ён бағриларида, айрим гуруҳлари эса Бухоро воҳасида Шохруд дарёси бўйлаб жойлашган. Барлослар Қашқадарё, Сурхондарё ва қисман Зарафшон водийсига ўрнашган. Мусобозорилар Хонақодарё, Қарши воҳаси ва Қашқадарёнинг юқори қисмида, калтатойлар эса, асосан, Сурхондарёда яшаган.

²²⁵⁷ 18 рамазон 1278/9 март 1862 йили.

²²⁵⁸ 14 рамазон 1278/15 март 1862 йили.

сўнгра каминаға: «Хайр Муҳаммад²²⁵⁹ ёвар²²⁶⁰ға айтинг тамоми сарбозлари бирлан мани чодарим ва чодар қаноти орқасида зоҳир ва тайёр бўлуб турсун», деб амр қилди. Ўзлари *Амирлашқари* марҳум чодарига кириб: «Маслаҳат бор, тамоми саркарда ва умаро жамъ бўлсун», деб одам буюрдилар. Ва саркарда умаролар жамъ бўлдилар. Аммо Хидир тезда ҳозир бўлмай, ҳаммадан сўнгра камина // 24^б↓ чодарим бирлан *мингбоши* чодарлари қаноти орасинда бир тор йўлдан Хидир кириб келди. Аммо аёғида ўтук йўқ, сар-пой бирлан кириб ўтуруб, суҳбатни бошқа тариха фаҳмлаб ваҳмға тушиб: «Мен ўтук кийиб келай», деб мазкур тор йўл бирлан қўшиға равона бўлди. Аммо сарбоз йўлини тўсиб милтиқ ҳавола қилғондан сўнгра қочиб, камина чодаримға кирди, орқасидан *йигит*лар кириб, қилич бирлан чопиб, чодардан сўдраб олиб чиқиб, чодарим ёнида ўлдирдилар.

Камина чодару палосларим қону ҳаром бўлдимикин, хабар олай, деб чодаримға кирдим. Орқамдан Қўйчи *додхоҳ қирғиз*²²⁶¹ кириб нос чекиб, мени сўзға машғул қилиб турғонда Идрисали *понсадбоши* қипчоқ кириб: «Мен бу муфсидларға қўшулган эмасман, холис давлатхоҳман, мени аризамни *мингбоши*ға маълум қилинлар», деб тавалло ва зори қила бошлади. Аммо Бекмуҳаммад *додхоҳ*²²⁶²: «Бугун ҳар жамоа ўз ёмонларин // 25^а↓ ўлдурадурғон кун. Қипчоқни(нг) ямони Идрисали. Уни ўлдурунлар», деб баланд овоз бирла чақириб, менинг чодаримға югурдилар.

Камина ва Қўйчи *додхоҳ* қочиб чиқиб, *йигит*лар кириб, Идрисалини қилич остиға олдилар. Лекин совут ва чоройина боғланган экан, қилич тезда таъсир қилмай, чодардан судраб чиқиб, Хидир ёниға ташлаб, сарбоз милтиқ ўқи бирла отиб ўлдирдилар. Худойназар *додхоҳ туркни мингбоши*ға тобеъ Рустам Элбек отлиғ *йигит* бир қилич зарби бирла охират сафарига озим қилди. Аммо Мингбой *додхоҳ* дарёдан ўтиб қўнғон экан ва ҳам ўзи истисқо ва чилаашур касалиға мубтало бўлғани учун Бекмуҳаммад *додхоҳ* илтимоси бирлан бу офат ва билодан саломат қолди.

Ўша куни Алиқули *эшик оғоси*²²⁶³ *қирғиз қипчоқ*никим, охир *удайчи* ҳам бўлди, Олим *додхоҳ*ни ўлдурмак учун Хўқандға буюрдилар. Ул ҳам хуфтон вақтида доҳили // 25^б↓ Хўқанд бўлиб, Олимбек *додхоҳ*ни ўлдириб, муфсид ва муфаттинлар иши тугаб, итмомиға етди. Эртаси ўзимиз ҳам ул мавзедан кўчиб, доҳили Хўқанд бўлдук. Ул тарафдан подшоҳ келиб Хўқандни қамаб, Худоёрхон ўз тавобиоти бирлан қолиб, Хўқандни муҳосирасиға қўл қўйди. Аммо Бадавлат Хўжандда ҳарчанд саъй ва тараддуд қилса ҳам, фуқароси ёв бўлуб, Саййид Фозил *мири асад*²²⁶⁴никим, Домулло Мир Боки марҳум ўғли ва Хўжанднинг рукни эрди, уруб ўлдуруб Бадавлат қасдиға югурдилар, (Ёқуббек) Бадавлат ҳам ночор қочиб, амирни кўриб омон қолди. Аммо Хўқандни Худоёрхон Тўкайтефаға кўниб муҳосира қилиб, Шодмонхўжа *мингбоши* Тоқлик дарвоза ва *Амирлашқари* марҳум Марғинон дарвоза ва Бекмуҳаммад *додхоҳ* ва бошқа сардор ҳар қайсилари бир дарвоза муҳофизатиға машғул бўлдилар.

Бу орада бир кеча *мингбоши* ва *Амирлашқари* марҳум каминани бир хизмат учун шаҳар ичиға буюриб, камина ҳам ул хизматни бажариб, субҳи содиқ Тоғлик дарвозасиға келдим. *Мингбоши* то аввали // 26^а↓ вақт ухламай уйғоқ эканлар. Марҳамат қилдиларки: «Мен бу кеча ухламадим. Не учунким Хўжа калонтўра ва шайх ул-ислом менға хат ёзибдурларки, фуқаро тамоман сизларға ёв бўлуб, эрта Худоёрхонни шаҳарға олиб кириб, сизларни тутадурлар, деб. Мунға нима тадбир қилсак экан?» Камина арз қилдимки: «*Амирлашқар* ва Бекмуҳаммад *додхоҳ* укаларимиз бирлан машварат қилиб, савоб қайси ишда бўлса, уни қилсунлар».

*Мингбоши*ға ҳам маъқул тушуб, дарҳол отланиб, *Амирлашқар* кўши Марғинон дарвоза тарафиға юруб, *Амирлашқар* ва Бекмуҳаммад *додхоҳ*лар бирлан *мингбоши* сўзлаштилар. Аммо *Мингбоши*ға қарашли икки юз нафар тошқандлик *йигит* бор эди. Уларнинг иши шул эдики, ҳар куни шомдан сўнгра кўрғонни айланиб, хабардорлик қилиб, субҳи содиқғача Тоғлик дарвози кўшлариға келиб ухлар эрдилар. *Амирлашқари* марҳум ва *мингбоши* // 26^б↓ Марғинон дарвозадан каминани: «Бориб ўшал икки юз нафар *йигит*ни уйғотиб, бетаъхир дарҳол олиб келинг!» деб, буюрдилар.

Камина бориб мазкур *йигит*ларни уйғотиб, олиб келсам, *мингбоши* ва *Амирлашқар* Марғинон дарвозасидан чиқиб кетиб, ҳеч одам қолмабдур. Тошқанд *йигит*лари ҳам ночор уларни тополмағандан сўнгра, Худоёрхон тарафиға кетдилар. Камина танҳо қолиб, ночор мен ҳам

²²⁵⁹ Хайрмуҳаммад ёвар (ваф. 1869 ёки 1870) – асли ҳиндустонлик. Тошкент босиб олингач у ҳам Шарқий Туркистонга кетиб, Яъқуббек хизматида кириб, понсад(боши) унвонини олган.

²²⁶⁰ Ёвар – ёрдамчи, соқчи.

²²⁶¹ Қўйчи додхоҳ қирғиз (1867 йилда ўлдирилган) – қўшбеги.

²²⁶² Бекмуҳаммад додхоҳ – шаъбон ойи 1282/20 декабр-18 январ 1866 йили вафот этган. Қипчоқларнинг етти қашқа уруғидан. Муҳаммадназар Кўрўғли ибн Санжар баҳодирнинг бобоси, Холмуҳаммад додхоҳнинг отаси. Шаҳрихон (1842-1852), Чуст (1860-1861), Андижон (1865) ҳокими. Бир муддат Қўқонда хон бўлган Худрйқулининг мингбошиси бўлган (июн 1865). Худоёрхон учинчи марта тахтга чиққанида (июл 1865) 3-4 минг қирғиз ва қипчоқлар билан Шарқий туркистонга кетган.

²²⁶³ Эшик оғоси – сарой маҳрамлари устидан назорат қилувчи амалдор.

²²⁶⁴ Мири асад – миршаблар бошлиғи.

Худоёрхон тарафиға юрдим. Мазангликка борғанда, Абдуллоҳ *эшикоғоси*²²⁶⁵ учраб, мендан аҳвол сўради. Камина аҳволни муфассал баён қилдим. Абдуллоҳ *эшикоғоси* каминани манъ қилиб, дедики: «Қаноат *оталиқни* кўрмай Худоёрхонға етмак сизға мумкин эрмас. Қаноат *оталиқға* мулоқот қилсангиз, бўлур. Маслаҳат шулким, манинг бирлан шаҳарға кириб, ҳовлида туринг. Пешиндан сўнгра, шаҳар кирадурман, хон хизматлариға арз қилиб, ундин сўнгра кўрсатайин», деди.

Бинобар он, камина шаҳарға кирдим ва Абдуллоҳ // 27^a↓ *эшикоғоси* арз қилиб, иноятнома олиб, эртаси хон(нинг) саодати мулоқотлариға еткарди.

Амири Бухоро Хўжандни олиб Қароқчиқумға келғанда, Худоёрхон: «Бизлар Хўқандни олиб хотиржам бўлдик», деб Қаноат *оталиқни* юборди. Амири Бухоро Хўқанд келмай, Қаноатни олиб, Бухороға мурожаат қилди. Бухороға борғандан сўнгра, Қаноатни ўлдириб, риштаи ҳаётини узди. Бу тарафдан *Амирлашқари* марҳум ва *мингбошилар* Хўжанддан чиқиб, йўлда Сўхдан келиб турғон Худоёрхон мулозимни Йўлчибек *додхоҳ* рўбарў келиб ва ани одамлари бирлан ўлдуруб, Андижон уезди Тошлоқ қишлоқда *Амирлашқари* марҳум ҳовлисиға кўндилар. *Амирлашқари* марҳум қирқ-эллик минг нақдина сикка (тангалар)ни олиб чиқиб, *Мингбоши* ва аркони давлат олдиға кўйиб: «Ҳозир бу нақдинани аскарға беринглар, яна мундан сўнгра, ҳар нима // 27^b↓ лозим бўлса, жону дил бирла тайёр ва муҳайё қилурман», деди. Тамоми аркони давлат би-л-иттифоқ бу фули нақдинани олиб: «топғон сиз ва сарф қилғучи ҳам ўзингиз бўлурсиз, ва тамоми иш сизни ихтиёрингизда, бизларда итоат ва инқийёддан бошқа иш йўқ», деб айтдилар. *Амирлашқар* ҳам ночор қабул айлаб, тамоми аскарни ҳарж ва имкони борича яроғу аслаҳа ясаб, тамоми кўшун бирлан Андижонға келиб, Худоёрхон амриға тобеъ одамларни қочуруб, Андижонни фатҳ қилдилар²²⁶⁶. Бу хабарни Худоёрхон эшитиб, мушавваш бўлиб, Хўқанд аскарни бирлан отланиб Марғинондан ўтиб кўнди. Бу тарафдан *Амирлашқари* марҳум Андижондан жўнаб, Хўжасон мавзеиға кўнуб, эртаси Шўр мавзеида икки лашқар бир-бирлариға мулоқий бўлдилар, уруш бошлаб, Худованди таоло фазлу карами бирлан *Амирлашқари* марҳум аскарни ғолиб ва музаффар бўлиб, Худоёрхон лашқари қочиб тафриқа тофиб, қанчаси ўлиб, бошқалари ҳам мажруҳ ва хаста бўлиб, қолганлар Худоёрхон // 28^a↓ укаси Султон Муродбек бирлан бозорчилар аробаси ва тўпхона аробасиға ўзларича жиб қилиб қочиб, кўриб, қиличу ханжар зарбидан фи-л-жумла халос топдилар. Аммо *Амирлашқари* марҳум аскарлари аларни атрофин қуршаб олиб, Худоёрхон ва укаси тобеотлари бирлан ҳар ваҳҳдин, хусусан, авқот жиҳатидин ниҳоят танглиғ ва меҳнатға қолиб, «дарёда ғарқ ҳар бир хасни қормар» масалиға мувоқиф Хўқанд фуқароларидан мадад тилаб, нодон фуқаро жаноби Катта ҳазрат²²⁶⁷ ва Домулло Файзи *қози раис*²²⁶⁸ ва бир неча уламо ва ақобирларни жабр бирлан отлантириб, олдилариға солиб, Худоёрхон мадади учун Марғинондан ўтгонларида, *Амирлашқар* уларни қочириб, бир нечаси ўлиб ва бир нечаси захмдор бўлиб, қолганлари от ва либосдан ажраб, ит аҳволида Марғинонға қочиб кирдилар. Аммо *Амирлашқари* марҳум // 28^b↓ *мингбоши* бир бирлари бирлан сўзлашиб, «Лашқарға тўп ва занбарак лозим экан, агар бизларда тўп бўлса эди, Худоёрхон ишини қачонлар тамом қилур эдик. Ҳали ҳам бўлса, сизларға ҳар нимарсадан тўп зарур эркан», деб билиттифоқ, бир тунда шабгир уруб тўп қасдида Хўқандға дохил бўлдилар. Алас-с-сабоҳ Хўқанд халқи огоҳ бўлуб Худоёрхонға тобе одамлар Бухоро тарафиға қочиб, *Амирлашқар* ва *мингбоши* шаҳарға кириб, у кеча шаҳарға етиб, тўпдан даркорликча олиб, *тўпчи*²²⁶⁹ дан Абдусамадхон ва Ҳабибуллохон тўпчини олиб, ўрдадан чиқиб, Ҳашт чаманға кўндилар.

Бу тарафдан Худоёрхон *Амирлашқари* марҳум ва *мингбоши* аскарларидан асар кўрмай, воқеа нима эканини билмай, ҳасратға қолиб, охири хабардор бўлуб, ул ҳам тамоми аскар бирлан Хўқандға келди ва нодон фуқаролар Худоёрхонни шаҳарға киргузуб ва *Амирлашқари* марҳум дарвозаға кўйган одамларни ушлаб банди қилиб, фуқаро ва Худоёрхон *Амирлашқар* узасиға Ҳашт чаманға // 29^a↓ келдилар. *Амирлашқари* марҳум ҳам дарҳол тўпларни кўрғон раҳнасида ташқари чиқориб ва ўзлари ҳам кўрғондан чиқиб намози асру шом орасинда уруш бошлаб, неча каррот Худоёрхон аскарини қочуруб шаҳарға қувуб(дилар). Бу орада Жарқинбой *додхоҳ* Муҳаммадёр *лашқарбоши*²²⁷⁰ укасиким,

²²⁶⁵ Абдуллоҳ эшикоғоси – Муҳаммадали мирзо ўғли. Кўкон ва Шарқий Туркистонда фаолият кўрсатган ҳарбий арбоб, тарихчи. “Тарихи сиғари” асарининг муаллифи

²²⁶⁶ 24 зу-л-ҳижжа 1278/22 июн 1862 йили.

²²⁶⁷ Катта ҳазрат – Эшон Соҳибзода Миён Фазл Бузрук Аҳмад Пешавари (1785-20 январь 1869). Фарғонада нақшбандия тариқатининг пирларидан бўлган.

²²⁶⁸ Қози раис – шаҳар ва вилоятдаги бош қози (қози калон даражасидаги қозихона маҳкамасининг бошлиғи).

²²⁶⁹ Тўпчи – Тўпчи (боши) – артиллерия бошлиғи. Қалғалар ва истехкомлар ҳолатини ҳам у назорат қилган

²²⁷⁰ Лашқарбоши – кўшин қумондони, амир лашқар. Юриш ва урушлар даврида берилган олий ҳарбий унвон.

қипчоқия орасинда баҳодирлиғ ва дилдорлиғда машхур эди, қоронғуликда оти шопипоя лойиға ботиб шаҳид бўлди.

Ҳосил (ул-калом), у кеча намози хуфтондан сўнгра, сойға кўниб, эртаси то чоштоҳ *Амирлашкар* кўчмай, «Агар Худоёрхон чиқса, то ўрдағача қувиб танбеҳини берай», деб ҳаракат қилмай турдилар. Аммо Худоёрхон на ўзи ва на аскарлари ҳаргиз қораларини кўрсатмадилар. Ночор чоштгоҳдан сўнгра жўнаб, Сомончи мавзеиға келиб, тўп аробалари хароб (бўлгани) учун ҳар бир *йигит*ға «Ханас мавзеиға етказиб беринглар», деб бир адад тўп ўқи хатлаб тофшурулди. Ва ҳам Сомончида йироқдан бир азим // 29^б↓ қалин дут (тутун) кўринди. «Бу нима ҳодиса? Хабар олинглар», деб аскар буюрдилар. Улар борсалар, Рошидон, Оқ ер ва мунға ўхшаш қишлоқларни(нг) авбош ва мунға ўхшаш фуқаролари эканким, келиб бу орадаги *қирғизия* ва *элотия*ни талаб, уйларига ўт қўйган экан. Ва бу аскар бориб бечора *қирғиз*ларни кутқариб, талончи фуқародан қўлиға тушганин ўлдуриб, улуғларини Сомончи сойиға ташлаб, ул куни Сомончи сойидан сув ичгали бўлмади.

Ба ҳар тақдир, ул кеча Сомончида ётиб, эртаси кўчуб Ханасға Қўш *парвоначи*²²⁷¹ манзилиға кўниб, ул ерда аробачи усталарни йиғиб, тўп аробаларини ростлаб, у ердан кўчиб, Ёрмозорға жўнаб Қубоға кўнуб, бир-икки тарафдан тўп қўймоқ бирла Қубо акобирлари ва фуқаролари пешкашу ҳадя бирлан чиқиб кўруб, дуо қилиб тобеъ бўлиб, марҳамат ва илтифот топдилар.

Ундан кўчуб, Асака мавзеиға кўнуб, Бекмуҳаммад *додхоҳ*ни кўриб, эъзоз ва эҳтиром бирлан шаҳарға олиб кириб, сидқидил бирла // 30^а↓ мутеъ ва мунқод бўлган хабарини олиб келди.

Асакадан жамбияти хотир бирлан Андижонға келиб, ҳазрати Юнус бузургвор алайҳи раҳма тарафларидан Андижон муҳосирасиға машғул бўлдук. Бу мавзеда Қўйчи *додхоҳ* Ўзганддан *қирғизия* аскарлари бирлан келиб қўшулди ва эртаси Андижон шаҳарини икки-уч тарафидан тўпға тутуб, *Амирлашкар* бир чўян тўп ва бир мунча аскарни олиб, Андижон шаҳри ичиға жўнадилар. Валекин кўп фурсат ўтиб *Амирлашкар*дан ҳеч асар зоҳир бўлмаган сабабли, Шодмонхўжа *мингбоши* хабар олмоқ учун орқаларидан борди. Яна ўша соат қайтиб келиб, каминаға дедиларки: «*Амирлашкар* ямон жойда Гултефада, атрофларини тамоман фуқаро қуршаб ўртаға олган. Бир навъ бирлан кутқармасак бўлмас, икки-уч даста аскарни тайёрлаб олиб келинг», деб буюрдилар. Камина дарҳол уч даста *қирғизия*, *қорақалғоқ* аскарини ҳозир қилдим. Бу аскарлар қиличларини ғилофидан чиқориб ва найза //30^б↓ ларини ростлаб, *мингбоши* олдиларида от чофиб бориб, фуқаро бу аскарни кўриб, ҳар тарафға қочиб (кетди). *Амирлашкар*ни улар орасидан саломат ажратиб олдук. Аммо чўян тўп Гултефада фуқаро қўлида қолиб, олмоқ муяссар бўлмади.

Андижон ҳар кун ҳар тарафдан қаттиғ муҳосираға олинди. Андижон ҳокими Қодирқулибек *додхоҳ*²²⁷² ва Худоёрхон илғорлари ва тамоми фуқаро қўлларидан келган саъй ва тараддудларини бажо келтириб (мудофаада турдилар). Аёми муҳосира раби-ул-аввал ойининг ибтидосидан, то ражаб ойининг охиригача (сентябр-октябр ойлари – Ш. В.) давом этиб, охири Худойи таоло карами бирла фатҳ топиб, мусаххир бўлиб, Қодирқули *додхоҳ* тамоми *қуззот*, уламо ва улуғлари бирлан чиқиб, кўрди. *Амирлашкар* ва *мингбоши* буларни гуноҳ ва жаройимларидан ўтиб, сарполар ва халъатлар бериб, марҳамати бениҳоя бирла сарафроз қилдилар. Лекин, Холназар чўлоқ, Камол ва боқий Худоёрхон илғорлари инод айлаб чиқиб кўрмай, қочиб, йўлдаги аскар қўлларига // 31^а↓ гирифтор бўлуб, ҳалокатға етдилар.

Андижон фатҳидан сўнгра, *мингбоши* ва тобеъ маридлари *қорақалғоқ* аскарлари ва *сартия*дан Муҳаммадназарбек *қўшбеги* ва *қипчоқ*лардан Мингбой *додхоҳ* бирлан Балиғчи фатҳиға буюрдилар. Камина ҳам (Шодмонхўжа) *мингбоши* илтимоси бирлан у сафарда ҳамроҳ бўлиб бориб, Балиғчини олиб, Мингбой Балиғчида туруб Муҳаммадназарбек *қўшбеги*, Мингбой *додхоҳ*лар Намангон тарафиға бордилар.

Бу аснода *Амирлашкар*дан *мингбоши*ға мактуб келиб, каминани талаб қилгон эканлар. Камина Балиғчидан жўнаб, *Амирлашкар* Андижондан кўчиб, Асакаға келганида, у ерда шарафи дастбўс ҳосил қилдим. Жаноби *Амирлашкар* марҳамат қилдиларки: «Биз ушбу қиш ичра Марғинон иши ҳам саранжом топса, деб Асакаға келдук. Энди сиз бориб *Мингбоши* акамға (Шодмонхўжага) маълум қилинг. Агар ул кишиға ҳам маъқул бўлса, сизни юборсунлар. Мингбой *додхоҳ*ларни кўруб, аларға ҳам мақбул бўлса, келиб // 31^б↓ бизға қўшулсунлар, токи жамияти тамом бирла Марғинон узасиға борайлик», дедилар.

Камина ҳам бу хизматға мураҳхас бўлиб, Балиғчи келиб, *Мингбоши*ға тақрир қилдим, ул кишиға маъқул бўлиб, *Мингбоши* *додхоҳ* олдиға буюрдилар.

²²⁷¹ Қўш парвоначи – Қўқон саркардаси, қипчоқ. Алиқули даврида додхоҳ, Тошкент ҳокими (декабр 1864-май 1865). 1865 йили Қошғарга кетиб Яъқуббек бадавлат хизматига кирган. Янги Ҳисор шаҳри ботирбошиси (кутволи) этиб таинланган эди.

²²⁷² Қодирқулибек додхоҳ – қипчоқлар билан 1865 йили Қошғарга борган ва Яъқуббек хизмати пайтида 1877 ёки 1878 йили хитойликлар қўлидан ҳалок бўлган.

Мингбой *додхоҳ* хузурлариға келдим. Абдурахмон *офтобачи*²²⁷³ ва *қипчоқия* акобирлари бирлан ўтирган экан. Уларға жаноби *Амирлашкар* сўзларини баён қилдим. Мингбой *додхоҳ* додики: «Ниҳоят маъкул сўз, аммо бошлиғимиз Муҳаммадназар *қўшбеги* эрур, ул кишиға англитиб, би-литтифоқ жавоб берайлик», деб ўринларидан турдилар. Шул вақтда *қоровулдан*: «Бугун ёв қоровулларини шиддати зиёдароқ, бир мунча мерган беринг», деб одам келди. Мингбой *додхоҳ* бешолти нафар мерган кўшиб қаровға йибориб, отланиб, Муҳаммадназарбек кўшиға келдик. Бу ерда ширчой тайёр экан, ширчой тортти ва *Амирлашкар* маслаҳатлари бу кишиға ҳам маъкул тушти. Шу аснода қоровулдан «мерган» деб одам келди. Мингбой *додхоҳ* // 32^a↓ савол қилдики: ««Душман у кўфрукдан йироқму ё яқинму?» Жавоб бердики: «Яқин деса ҳам бўлур, йироқ деса ҳам бўлур». Яна мерган бериб жўнаттилар.

Ҳануз ширчойни ичиб тамом қилмаб эрдукки, «душман кўприкдан ўтибди», деб хабар келди. Дарҳол отланиб, жамъият бирлан бизлар ҳам бордукким, тамоми Намангон аскарлари ва Худоёрхон қошидан келган илғор тамом чиқиб келган экан. Ночор чоштгоҳдан уруш бошлашиб ва милтиқ тўп овози бирлан Балиғчидан *мингбоши* хабардор бўлуб *қорақалфоқ* аскарлари бирлан мадад учун етиб бориб, ўша куни то икки хуфтонғача уруш бўлиб, Намангон кўшини қочиб, кўп одам ўлиб, кўп банди, туғу байроқ ва ўн олти карнай ўлжа тушуб ва Намангон *йигитлари* азобу укубат бирлан қочиб, боқимондалари Намангон кўрғониға кирдилар. Бизлар ўша кеча шу мавзеда туриб, тушган / 32^b↓ банди, ўлжа ва ғаниматларни саришта айлаб, хотиржамлик бирлан кўчиб, *Амирлашкар*ға кўшилиб, би-литтифоқ Марғинон ўзасиға келдук. Марғинондан Мулло Султон *додхоҳ*²²⁷⁴ ва Мирзо Аҳмад *қўшбеги* тамоми Марғинондаги аскарлар бирлан чиқиб, охири пешиндан, то икки хуфтанғача каттиғ уруш ва муҳориба қилиб, Худоёрхон тобеларидан Давлат *қўрбоши*²²⁷⁵ ва шунға ўхшаш неча нафар катта одам банди бўлиб, кўп нафар ўлуб, боқий лашкар қочиб шаҳарға кирди. Бизлар ўша кеча мавзеи мазкурға кўниб, андин сўнгра, Ёрмозор ичиға кўчуб кирдук. Ва ҳар куни *мингбоши* Тошлоқ дарвозасида Мулло Султонға муқобалсида, *Амирлашкар* (Алиқули) ҳазрат Муоз Жабал дарвозасида Мирзо Аҳмад *қўшбеги* муқобалсида, бошқа аскарлар ҳар тарафдан Марғинон муҳосирасиға машғул бўлдилар.

Бир куни *Амирлашкар* марҳум *мингбоши* дедиларким: «Бугун жойимиз бадал бўлсин. Мулло Султон // 33^a↓ муқобилиға ман борай, Мирзо Аҳмад муқобалсиға сиз боринг», деб. Ушбу иттифоқ бирлан жўнаб кўрдиларким, Киргил ариғи суви Марғинонға кирар экан. Шул сабабли, ўн нафар *ясовул* ва ўн нафар *махрамни* каминаға кўшиб, буюрдиларки: «Киргил ариғи сувини Марғинондан боғлаб, даштға солиб юборинг». Камина бу хизматға машғул эдимки, икки тарафдан уруш бошланиб, *Амирлашкар* томонидан Мулло Султонға ўқ тегиб ўлди. Ўлигини *Амирлашкар* амри бирлан бир отға ортиб, *мингбоши* (Шодмонхўжа) хузуриға келтирдилар. Уруш ҳам тамом бўлди. *Амирлашкар* Мулло Султон ўлигини кўп тақдим бирлан ювуб, кимхоб ва атлас бирлан ёптуруб, жамъияти азим бирлан жаноза ўқуб дафн айлаб, руҳиға хатми Қуръон ва хайрот бердилар.

Султон ўлгандан кейин, Марғинон иши кундан-кунға ва лаҳза ба лаҳза хароб ва вайрон бўлиб, аскарлари Хўқанд тарафиға қочиб, // 33^b↓ Марғинон фатҳ бўлди. Марғинон фатҳидан сўнгра, Хўқанд ўстиға жўнаб Хўқанд кўрғониға яқин Мингтут мавзеиға кўнуб, муҳосирасиға машғул бўлдук.

Иттифоқан бир кун намози пешин ҳаддида бемаҳал ва бемаврид уруш бошланиб, *Мингбоши* (Шодмонхўжа)ни Саййид ғози отлиқ катта ўғлиға қазои илоҳий бирлан тўп ўқи тегиб, оти бирлан неча пора қилди. Ва мунинг ўстиға, *қоровулларимиздан* «Амири Бухоро кўшини бирлан Конибодомдан жўнаб, муқаддимаи лашкари Бешарақ кўнди», деб хабар келди. Бу икки воқеадан кўшинимиз паришонҳол бўлиб, Саййид ғози хўжа намози жанозасини ўқуғондан сўнгра, Хўқанд устидан кўчуб, Сомончиға кўнуб ва андан Олтиариққа ва андин Ёрмозорға нузул қилдук. Бу манзилда Худованди таоло иродаси бирлан *мингбошидан* бир иш содир бўлдики, *Амирлашкар* марҳум риштаи ирода // 34^a↓ ва ихлосини мунқати айлади. Чунончи шунға ўхшаш иш Андижонда ҳам вукуъ топиб, бинойи эътиқодини мунҳазам қилғон эрди. Ва бу икки иш изҳори мужиби малолат учун тахрир топмади.

Ҳосил ул-калом, амири Бухоро²²⁷⁶ ва Худоёрхон отланган хабари келгандан сўнгра, Ёрмозордан кўчиб, Қубо ва андин Асака ва андин Андижон ва андин Ҳазрати Юнус алайҳиссалом

²²⁷³ Абдурахмон офтобачи – Мусулмонкули ўғли. 1865-1875 йиллари Худоёрхонга офтобачи бўлиб хазмат қилган. 1888 йили Қўқонда вафот этган. 1876 йили босқинчиларга таслим бўлишидан сўнгра Екатеринбургга (1881 йилгача) сурғун қилинди. Вафотигача Архангельскда Россия давлатидан йилига 3000 тила рубл нафақа олиб яшаган.

²²⁷⁴ Мулло Султон додхоҳ (ваф. 1863) – йуз қабиласидан, охунд ва понсадбоши.

²²⁷⁵ Давлат кўрбоши – Мирзо Давлат додхоҳ Қаротегини (ваф. июль 1864 й.)

²²⁷⁶ Амири Бухоро – амир Музаффар (сафар ойи чоршанба куни 1242/ сентябр 1826 – 1 сафар 1303/9 ноябр 1885 йил).

тепалари остига кўндук ва подшоҳ (амир Музаффар) ва Худоёрхонлар ҳам Ўш тобеи Қошғар қишлоғига кўнди ва *Амирлашқари* марҳум Хол *понсад* ва шунга ўхшаш бир неча жасурлар *қоровул* тариқида Ҳазрати Юнус алайҳиссалом тепаларида кўюб, боқий аскарлари бирлан дарёдан ўтуб, Хонобод ва Бургутчи мавзеига кўндилар. Бу мавзеда *мингбоши*га андак заъф ва беморлик ориз бўлиб, кучи бирлан илғори жўнаб кетди. Аммо у *Амирлашқар*га кўп насиҳатлар қилди. // 34^б↓ Насиҳатларидан бири бул эдиким: «Зинҳор подшоҳ бирлан уруш ва муҳориба қилманг, на учунким, урушнинг икки боши бор: ё шикаст, ё зафар. Худо асрасун, мабадо шикаст бўлса, яна бу жамъият мумкин бўлмайду. Агар муҳориба қилмасангиз, подшоҳ ҳам бу ерларда ҳафтадан ортуқ туролмайди, Авбош лашқари фуқароларни ғорат ва тарож айлаб, экину зироатлар хароб ва зое қилганда, халқуллоҳ подшодан билкуллия безор бўлиб, анга лаънат ва нафрин айлаб, Хўқанд ва Фарғона фуқаролари сизни дуо қилиб, бошлариға кўтардилар», деб бу панду насиҳатга кўп таъкидлар қилди.

Ҳосил ул-калом, подшоҳ Қошғар қишлоқдан отланиб жўнаганда, ҳазрати Юнус алайҳиссаломдағи қоровулларимиз подшоҳ *қоровули* бирлан андак муҳориба қилиб, банди ва бир-икки от ўлжа олиб, дарёдан ўтдилар. Ва подшоҳ аскарлари ҳазрати Юнус алайҳиссалом // 35^а↓ остига кўнди.

Амирлашқари марҳумнинг подшоҳ бирлан урушмоқ ва муҳориба қилмоқга шавқ ва рағбати ғолиб бўлса ҳам, *мингбоши* насиҳати монё тушиб, камина ҳам нафас ба нафас *мингбоши* маслаҳатларин хотири мубораклариға солиб, подшоҳ дарё лабиға кўнғонда бо хузури тамом бо таани ва оҳисталик илан Хонобод ариғидан Хонарикқа кўчуб, дасталаримизни ростлаб, подшоҳ аскарини йироқдан томоша қилиб, жамъияти тамом бирлан Қулинчоқ ўзасиға кўндук. Подшоҳ ҳам дарёдан ўтиб, Хонободға кўнди. Эртаса Қулинчоқдан кўчиб Ўзганд кўнуб кўчуб, Қароғулча ва Мор сувидан ўтуб, Абдуллоҳ Қаййирбош деган қирғиз майдониға кўнуб, андин кўчуб Қароғулча даҳанасиға кируб, андин Қароғулчаға кириб, дарёни бир доғ (тоғ) орасин тошу лой бирлан мустаҳкам кўрғон айлаб ургулаб, дарвоза кўйдук ва тўпларни кўрғон // 35^б↓ узасиға чиқориб, хотиржамъ ва фориғ ул-бол бўлдук. Подшоҳ ҳам бизлардан кейин Ўзганд келиб ва аскарлари Ўзганд фуқаросини ғорат ва тарож бирла яланғоч ва урэн айлаб, тамоми молу амволларини олиб, сўнгра андин жўнаб Қароғулча даҳанасиға яқин келмай, йироқ кўнуб, бир хўжазодани элчи тариқасида киргузуб: «Ман бу ерғача келдим, чиқиб мани кўриб дуо қилинлар ва ман кимни хоҳласаларинг ман ани хон қилиб, сизға кўп илтифот айлаб мурожаат айлай».

Амирлашқари марҳум ва *мингбоши* жавоб ёздиларки: «Бу қадр такаллуф ва тасаддиҳ ҳожат йўқ ва бизларга аввал киши қилиб бир кўчи хон лозим эрмас. Обрў ва давлат бирлан амир қайтсунлар, ўзумиз кимни хоҳласак хон қилиб, Худованди карим ирода ва тақдири нима бўлса, кўрармиз».

Подшоҳ ҳам ночор ҳеч иш уҳдасидан чиқмағон сабабли иззати кетиб, обруйи тўқулуб, Хўқанд тарафиға мурожаат // 36^а↓ қилди.

Бизлар ҳам Қароғулчадан чиқиб, ул марғузори жаннатосорда, сабза ва раёхин ва Худованди Рабб ул-оламин бадеъ ва саноатин тамошо айлаб, Ўзгандға келиб, бир-икки кун туруб, андин Ўттуз адир йўли бирлан юриб Ўш тобеи Кўрғошим даштиға кўндук. Ул ерда Ўш фуқаролари чиқиб кўруб ва Марғинон ҳокими Баҳодурхон тўра пешкаш ва тортуқ бирла келиб, тобеъ бўлуб ва Хўқанддан Ёқуббек *оталиғ* Бадавлат ва Мирзо Аҳмад *қўшбеги* Худоёрхондан қочиб келдилар. Бул ерда хар тарафдан акобиру ашроф келиб кўшулуб, ниҳоят жамъияти азим мунъакид бўлиб, (Шодмон) *мингбошини* бул ердан Тошканд фатҳиға буюруб, каминани ажратиб олиб қолдилар. *Мингбоши* харчанд: «Бу бўлмаса, мен ҳам бормайман», деб саъй қилди, аммо *Амирлашқари* марҳум: «Алҳол бизлар подшоҳ бирлан сўзлашиб турубмиз, бизға зарур ва лозим. Аммо сизға Тошкандда ҳеч даркорлиғи йўқ. // 36^б↓ Хар вақт Хўқандға кириб хотиржамъ бўлсак, хизматингизға юборурмиз», деб (мени) олиб қолдилар.

Подшоҳ Хўқандда ҳам туролмай, наве бирлан Бухоро тарафиға мурожаат қилди²²⁷⁷. *Амирлашқари* марҳум жўнаб, Ёрмозор кўрғониға кўнди. Ул ерда Марғинон, Ўш, Андижон, Шаҳрихон, Намангон, Чуст, Хўқанд ва тамоми атрофу акнофнинг уламо, фузало, куззот ва акобиру ашрофлари жамъ бўлуб, Маллахони шаҳид ўғли Султон Саййидхон²²⁷⁸ни Намангон олдуруб келиб, би-л-итифоқ хон тахтиға кўтариб, аммо юртдорлиғ ишини, чунончи, дахлу сарф, азлу насб, қатлу зарб ва тамоми муҳиммоти мулкый ва молий тасарруфин *Амирлашқари* марҳумға таслим ва таслид айлаб(дилар). Бу маъниға камина қалами бирла аҳдномаи муаккад ва паймони мувассақҳаллози шаддод ёзилиб, бул аҳдномаға жаноби хон бошлғ тамоми уламо, фузало ва акобир сидқи дил бирла кўл кўюб, мухр босиб, мустаҳкам қилдилар.

²²⁷⁷ 1 сафар 1280/18 июл 1863 йили. 15 август 1863 йил у Самарқандга келиб кирган.

²²⁷⁸ Султон Саййид хон – Султон Саййид Муҳаммад (1847 ёки 1852 -1868-69) номигина 1863-1865 (май)гача Қўқон хони.

Бу ишлардан // 37^a↓ хотиржамъ бўлгондан сўнгра, жўнаб Хўқандға дохил бўлуб, ўшал куни *мингбоши* (Шодмонхўжа) тарафидан Солиххўжа Мирзо Тошканд фатҳ бўлғонини(нг) хабарини олиб келиб, *Амирлашкар* ўшал куни хазинаи олийға кириб бир катта тилло кимхоб тўн каминаға кийдуруб, марҳамат қилдиларки, «Фарғонани(нг) хирожини, танобона ва закот фуллари, аскариянинг қишлоқ ва ғаллоти, қишлоқлар ижороти саркору амлоқлар таҳқиқи ва ҳисоби, аскария яроғу аслиҳа дафтари сизға тааллуқдир. Булардан яхши хабардор бўлунг ва мукоҳила қилманг».

Яна қўлимға тўрт кимхоб тўп бердилар: бири Дўсатға *меҳтарлик*, яъни, *закотчилик* сарпоси, яна бири Муҳиммад Иброҳимға *иноқ*²²⁷⁹ лик сарпоси, яна бири Турсун Муҳаммад²²⁸⁰ға *саркорлик*, яъни, никоҳона, таракона ва кема ижораларини олмоқ сарпоси, яна бири Мирзо Ғафурға *саррофона*²²⁸¹, яъни, тилло ва сиккаларға зарб урғучи бошлиғи сарпоси. Камина буларни(нг) либосларини беруб, дуо қилдирдум. Мушофиҳата (оғзаки) // 37^b↓ уларни каминаға тобеъ бўлинглар, деб амр қилдилар.

Бу орада Тошканд бормоқ иродатини қилиб, каминаға аскария қишлоқи ва баротларини бермоқ учун Хўқандға ташлаб, ўзлари Хўжанд йўли бирлан Мирзо Аҳмад *қўшбегини* ҳам ҳамроҳ олиб, Тошканд бориб, Тошкандда Ёрмозор ва Андижонда воқеъ бўлди, деб ишорат қилгон воқеалар сабабли, балки ихтитоми умр ва интиҳои ажал бирла *мингбоши* (Шодмонхўжа) марҳум бўлуб, ўруниға Нормуҳаммад *парвоначи*²²⁸²ни Тошкандға ҳоким айлаб, мурожаат қилиб, Хўқанд келдилар.

Камина бир кеча маҳал тофиб арз қилдимки: «Алҳамдулиллоҳ, бу давлат янги ва жаид давлатдур. Бизларни аскаримиздан ҳануз импротури аъзам тавобеъиға бир зарар еткони йўқ. Ул кишини аскардан ҳам бизларни фуқаромизға ҳеч бир озор ва заҳмат лоҳақ бўлган эрмас. Шул вақтда бир хушёр одамни элчилик тариқи ила йибориб тофишиб, импротур давлатиғаким, давлати // 38^a↓ азимдир, тақя қилсак, яхши бўлур эрди».

Жаноби *Амирлашкарға* (сўзларим) мақбул тушуб, дедиларки: «Ниҳоят маъқул ва яхши маслаҳатдур. Муни ўйлабсиз, эмди борадурғон одамни ҳам мулоҳиза айлаб арз қилинг», дедилар. Камина арз қилдимки: «Агар аскария, умаро ва сардорлардан борса, лойиқ одамни ҳеч кимарса жанобларидан беҳроқ билмайдур ва агар юрт акобиру узамоларидан борса, Тошканд тобида туркистонлик Алиакбар ҳожи *нақиб*²²⁸³ ва тошкандлик Хонтўраҳон эшони марҳум ўғиллари Абдулқосимхон эшон ва Низомуддинхон *қози* ўғиллари Эшонхон *қози* ва Хўқанддан Йўлдошбой *корвонбоши* бул мазкурларни ҳар қайсиси борса ҳам, лойиқ ва муносибдур». Савол қилдиларким: «Бу қадар беадад халқуллоҳ ичидан бу тўрт нафарни нима сабабдан таржих қилурсиз?» Камина жавоб бердимки: «Одамизод ҳамма баробар эрмас, балки зуккои ақл ва хиддати хуш ва фаҳми бирлан таржих топадур. Муҳаммадалихони шаҳид // 38^b↓ асрида жаноби Миён Халил ҳазрат элчилик бирлан Фитирбурх борғонлирида, ул жанобни Ўрусия тобеъида *нўғай*²²⁸⁴ тоифаси ва бошқа тоифадин муриду мухлис, ёру дўстлари кўп экан, ҳар қайсилари ўз ҳокимларидан рухсат сўраб гуруҳ-гуруҳ истиқболлариға чиқиб, бу тариқа бирла Русия катталариға кадр манзалатлари маълум бўлуб, борғондан сўнгра, ўзлари ниҳоят даража оқил ва хушманд (бўлғонлари) учун низом биладурғон ёру

²²⁷⁹ Иноқ – Марказий Осиёда XI–XIV асрларда ҳукм сурган сулолалар салтанатида «маслаҳатчи», “вазир”ни англатган; Бухоро ва Қўқон хонликларида ҳукмдорнинг ишончли кишиси, мансабдор. XVII–XVIII ларда Бухорода улуғ иноқ (иноқи калон) ва кичик иноқ (иноқи хурд) бўлган. Улуғ иноқ даражасига кўра, кўкалтош ва улуғ қўшбеги (қўшбегии калон) дан сўнгра турган. Улуғ иноқ асосан, ҳукмдор фармонларини кичик мансабдаги амалдорларга етказиш ва амир қабулига муяссар бўлганларни киритиш билан шуғулланган. Кичик иноқ ҳам хоннинг ишончли кишиси бўлиб, баъзан саройдан отга минган ҳолда чиқиш ҳуқуқиға эга бўлган. Ўз лавозимиға кўра, улуғ меҳтар (меҳтари калон), девони саркор ва дастурхончидан юқори турган. Кичик иноққа ҳукмдорнинг муҳрлари солинган қутичани эҳтиёт қилиш топширилган. Кичик иноқ, шунингдек, амир номиға тушган ариза ва шикоятларни қабул қилган; элчиларни қабул қилиш пайтида улар келтирган хатларни очиб, амирнинг шахсий котиби (мунший)ға тақдим этган.

²²⁸⁰ Турсунмуҳаммад зу-л-қаъда 1301/август-сентябр 1884 вафот этган.

²²⁸¹ Саррофона/сарроф – бу ерда танга зарб этиш ишларига бошлиқ ва жавобгар амалдор.

²²⁸² Нормуҳаммад парвоначи Зодиёний – 1870-1872 йиллари Шарқий Туркистондаги Куча(р) ҳокими бўлган.

²²⁸³ Нақиб – саййидлар ва хожаларға бериладиган фахрий унвон. Нақиблар ўзларини Муҳаммад пайғамбарнинг авлодларидан деб ҳисоблайдиган саййидлар жамоалари раҳбарларининг лавозими. Ҳукмрон доиралар нақиблар орқали саййидлар жамоалари билан муомала қилганлар. Нақиблик лавозими авлоддан-авлодга ўтган. Нақиблар хоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан бўлиб, сафарларда унга ҳамроҳ бўлган. Расмий қабул маросимларда нақиб хоннинг сўл томонида биринчи ўринда ўтирган.

²²⁸⁴ Нўғай/нўғой – (XIII асрдаги Олтин Ўрда хони Нўғай номи билан боғлиқ). Нўғай аждодлари Нўғай тасарруфидаги ҳудудларда яшаган турк-мўғул қабилалари ҳисобланади. Улар Уралдан то Днепрғача, жумладан, Шимолий Кавказ, Қуйи Волга, Кримда кўчиб юрганлар. Дашти Қипчоқда қипчоқлар билан аралашиб туркий тилни қабул қилишган. Ўтмишдаги анъанавий машғулотлари – кўчманчилик ва яйлов чорвачилиғи (қўй, эчки, йирик шохли мол), туячилик, отчилик, қисман деҳқончилик бўлган. Хунармандчиликда мовут тайёрлаш, чарм ва қўй терисини қайта ишлаш, кигиз босиш ва ундан чакмон, этик, бош кийимларни тикиш, айниқса, кенг расм бўлган.

дўст машварати бирла мувофиқи қоида иш қилиб, ниҳоят иззат ва обрў бирлан ёнғон эрдилар. Бу тўрт нафарни ҳам Русия ичида катталардан ёру ошнолари кўп учун ва ҳам ўзлари ғоятда оқилу хушёр одамлардур. Такдир бўлуб борсалар, умидким, ба маслаҳат, қонун-қоидадан чиқмай, албатта хурмат ва обрў бирлан мурожаат қилсалар керак».

Жаноби *Амирлашкар* (Алиқули)ға мақбул бўлиб, булардан //39^a↓ бирини йибормоқ фикру мулоҳазасига туштилар.

Бу орада султони Рум, яъни халифа хизматлариға Тибет йўли бирлан йиборган Аҳмадхўжа эшон элчини Хитой йўл бермай, Ёркенда тўхтади, деб хабар келди. Жаноби *Амирлашкар* музтариб бўлуб: «Бу элчини(нг) бормоғи ниҳоят зарур», деб каминаға марҳамат қилдиларки: «Аввал Қошғар бориб, на тарика бирла мумкин бўлса, Аҳмадхўжа эшон элчини ўтказиб йибориб келинг. Ундан сўнгра хотиржамлик бирлан импротур хизматлариға элчи йиборурмиз».

Рамазон ид намози ўқулғон куни, яъни биринчи шаввол каминани Қошғарға буюриб, Аҳмадхўжа эшон ўрниға элчи Ҳожи Мелибой ва Инглис давлатиға элчи Мулло Хўжабек *удайчи*²²⁸⁵, Кобул ва Кандаҳорға подшоҳи амир Алишерхон²²⁸⁶ға қосонлик Муҳаммадназар *эшикоғаси*, Жамму ва Кашмир маҳоражаси²²⁸⁷ға хўқонлик Тош хўжа *судур*²²⁸⁸ ва Қошғарға Шукурхон *оқсоқол*²²⁸⁹ ўрниға Ҳамроқули²²⁹⁰ *эшикоғасини оқсоқол* // 39^b↓ (элчи) қилиб, буларни(нг) ҳаммасини каминаға тофшуруб, шавволни иккинчи куни²²⁹¹ Хўқанддан чиқиб, муддати ўн олти кунда²²⁹² дохили Қошғар бўлуб, Қошғар ҳокими Қутлукбек бирлан мулоқот қилиб, Хитой *анбал*²²⁹³лари бирлан сўзлашиб, то бу элчиларни Тибет, йўлиға солиб жўнатгунча узок муддат ўтуб кетди. Ийди қурбон намозини ҳам Қошғарда ўқуб²²⁹⁴, андин сўнгра Хитой Қосимбек деган сарман ҳокимини хоққонни кўп ҳадия ва туҳфалари бирлан элчилик тариқида каминаға қўшуб, аввали муҳаррамда Қошғардан чиқиб, Хўқанд тарафиға жўнадук ва охири муҳаррам, балки авоили сафар²²⁹⁵ Хўқандға дохил бўлдум. Мазкур элчи ва ҳадияларни жўнатиб, *Амирлашкар*и марҳум ва жаноби хон назари муборакларидан ўтқариб, бағоят хурсанд бўлуб, каминаға кўп илтифотлар айлаб, марҳамат қилдиларким: «Бу ишларингиздан кўп масрур ва рози бўлдук. Аммо узундан // 40^a↓ узок юриб фурсат ўтиб, Туркистон қўлдан кетди, дедилар. Камина ҳам ба қадри ҳол дилосолик бериб, мазкур элчини ҳам тезлик бирлан хушвақт ва масрур ёндуруб (келдим)].

Сафар ойининг йигирма ё йигирма биринчиси²²⁹⁶ тамоми Хўқанд ва Фарғона лашкари, тўпу тўпхона бирлан ба давлати тамом тўртинчи мартаба амирлашқари марҳумнинг Чимкент узасига Ўрусия муҳорабасига отлангонларини(нг) баёни

Чимканд узасига отландилар ва Симғар йўли бирлан юриб, Тошканд борғондан сўнгра, каминани фул олиб бормоқ учун Тошкандға ташлаб, ўзлари тамоми қўшин ва тўпхона бирлан Чимкентға жўнадилар. Камина *Амирлашкар*дан сўнгра икки кун туриб, орқаларидан Чимкентға борсам, *Амирлашкар* ўрус муҳорибаси учун Арис тарафиға кетган эканлар. Камина ҳам ул мавзеға бордим. Тамоми Фарғона асқари саф боғлаб турубдур ва Русия ҳам бир жойда тўпланиб, мусулмонларни тўп ўқи бирлан музтариб // 40^b↓ ва паришон айлаб, *Амирлашкар* бир тепаликда ёлғуз ўтирган эканлар. Камина чиқиб, салом ва дуо қилиб, шарафи дастбўс ҳосил айладим. Қўлларидаги дучашма дурбинни бериб, «Бу турғон Русия асқаридур, кўринг!» деб марҳамат қилдилар. Камина дурбин бирлан қараб: «Уч юздан зиёдароқ маълум бўладур», дедим. Илтифот қилдиларки: «Сиз боғланган оқ юкларни ҳам одам гумон қилибсиз, ва илло икки юздан андак зиёдроқдур. Аммо, таажубки, шул миқдор қўшин бу икки юз нафар ўрусияға ғолиб бўлмайдур». Фақир арз қилдимки: «Тўпу милтиқ ғолиб бўлмоқға қўймайдур. Бизлар ҳам тўп олиб келсак, қандоғ бўлур экан?!». Дарҳол *Амирлашкар* тўпға одам буюриб, ҳозир қилиб, Русия фавжиға қараб, беш-олти жилав тўп отилди.

²²⁸⁵ Удайчи/хидоячи – элчилар, чопарларни хон ҳузурига олиб кирадиган сарой амалдори.

²²⁸⁶ Аслида Шералихон – афғон амири (1863-1879).

²²⁸⁷ Жамму ва Кашмир маҳаражаси Ранбир Сингх (1856-1885) эди.

²²⁸⁸ Тош хўжа судур – Эшон Тожи хўжа судур Маллахон даврида элчи бўлиб Британия Ҳиндистонига элчи бўлиб борган. 1865-1869 йиллари Яъқуббек хизматида бўлган.

²²⁸⁹ Оқсоқол – қабила, уруғ бошлиғи.

²²⁹⁰ Аслида бу Умаркул додхоҳ қипчоқ бўлгани тахмин қилинади. Яъқуббек бадавлатнинг амири лашқари бўлган.

²²⁹¹ 1864 11 март.

²²⁹² 1864 27 март.

²²⁹³ Анбал – Хитой амалдорларининг умумий номи.

²²⁹⁴ 17 май 1864 йил.

²²⁹⁵ Июл 1864 йили.

²²⁹⁶ 25 ёки 26 июл 1864 йили.

Фақир ундоғ ақида қилурманким, тўп ўқи бирлан Русия хейла изтиробға тушган эди. Аммо, вақт танглик қилиб, аср // 41^a↓ фасли бўлиб, *Амирлашкар*: «кечаси ўрусия ҳаракат қилса, тўпға офат етмасун», хиёли бирла тўпларни қайтариб, ул кечаси Русия ва мусулмон жой-жойимизда хушёрлик бирлан ётиб (олдик).

Субҳи содик: «*Удайчилар* шаҳид ва ярадор бўлғони сабабли дасталарни ростланг», деб менға амр қилдилар. Камина дастани ўз жойига қарор бериб, ўнг-сўлини тайёр қилгондан сўнгра, каминаға буюрдиларки: «Сиз шитоб билаи Чимкент бориб, Жомадор *ноиб*²²⁹⁷ни Хўқанд тўфхонаси ва Хўқанд сарбози бирлан дарҳол биз тарафға юборинг. Хайр Муҳаммадхон *ёвар* Тошканд тўфхонаси ва сарбози бирлан кўшинни муҳофизат қилсун. Ул ерда ҳар қанча мутафариқа ва пароканда аскардан бўлса, ҳаммасини жамғариб, Мингбой *парвоначи*ға топшурунги, Манқат тарафидан Туркбоши йўлини тўссун, на учунким, Авлиё отадағи Ўрусия мадад учун келмоқ экан. Ул // 41^b↓ келиб кўшилса, иш яхши булмайдур. Мингбой *парвоначи* ани ўтуб ўтиб кўшулмоғиға монё бўлгай».

Камина Жомадор *ноиб*ни жўнатиб, Мингбой *парвоначи*ға одамларни топшуруб, сипоришларни еткузуб, ўзим *Амирлашкар* тарафириға жўнадим. Аммо, кўшиндағи бир неча қосирақл ва кутох андиша умаро ва сардорлар Жомадор *ноиб* ва тўпхона боргунча сабру таҳаммул қилмай, *Амирлашкар*ға: «Ўрусия аскарни оз одам, агар югурсак ниҳоят баробар ўқ отар иккинчи ўклагоқға фурсат бўлмай ҳаммасини баҳайбат олурмиз», деб арз қилиб, *Амирлашкар* ҳам ниҳоят ғайрат ва шижоатдан буларни хом сўзлириға кириб, тамоми аскарни Русия узасиға югуруб ва Русиянинг низомлик ўқи бирла кўп одам шаҳид ва кўп одам ярадор бўлиб, ҳавли машҳар зухур қилибдур.

*Амирлашкар*и марҳум аввалги тефада мағмум ва маҳзун ўтирғон эркан, камина салом ва дуо қилиб: «Бу тарика ишлар жаноби пайғамбарлар ва катта подшоҳлару салотинларға воқеъ бўлган, мунға ғамгин ва маҳзун // 42^a↓ бўлмоқ лозим эрмас, сабру таҳаммул даркордур. Аллоҳ таоло мун бадалиға кўп зафар ва нусрат бермоғи мумкиндур», деб ба қадри ҳол тасалли бердим.

Авлиё отадан келадурғон русия ҳам Мингбой *парвоначини* олдиға солиб сурибди. Мингбой *парвоначи* йўлдан қочиб ва ўрусия йўл бирлан келиб, бу ердағи ўрусияға кўшилди. Яна русия сардори одам йибориб, хабар бердики: «Майдонда ўлукларинг ё тирик ярадорларинг бўлса, тофиб олинлар. Бизлар даҳл ва таарруз қилмасмиз».

Бинобарон, ўлук ва ярадорларни тофиб олиб, саришта қилдук. Ул кеча ётиб, эртаси ул ердан кўчмоқ бўлғонимизда, Русия тўпи ўқи кўп бесаранжом қилиб, ночор қир орқаси бирла юруб жойға кўнуб, бир-икки кун таваққуф воқеъ бўлди. Камина жаноби *Амирлашкар*ға арз қилдим: «Бирор одамни Русияға элчи қилиб борсак, бу орада бир-икки кун ўтуб, ишимиз андак саранжом // 42^b↓ топар эрди», деб мақбул бўлиб, ўратефалик Авлиё ота қадима ҳокими Мир Собирбекни элчи қилиб юбордилар. Русия сардори иззат қилиб, ул ҳам бир тўра²²⁹⁸ кўшиб йибориб, жаноби *Амирлашкар* келган элчини каминани чодаримда кўрдилар. Хати ва тил сўзи андоғ эканки: «Мусолиҳа ва яраш ҳаммаға мақбул ишдур. Аммо мен бу вилоятларни то бу ерғача очиб, фатҳ қилиб импротури аъзам хизматлариға маълум қилғонман. Энди менда ихтиёр қолғон эмас, аммо сиз импротури аъзам хизматлариға хат ёзиб, ҳар на мурод ва мақсудингиз бўлса, қолдурмай дарж қилиб борадурғон элчини менға топшурунг, мен йўл харожотин тамоман ўзимдан тўлаб, импротури аъзамға еткурай. Агар импротури аъзам Оқмасжидни ҳам беринлар, деб ҳукм қилсалар, мен Оқмасжидни бузилган деворларигача ростлаб тофшурай, агар Арасни ҳам ул юзимусулмонларға ва бул юзи Русияға бўлсун десалар, // 43^a↓ мунға амал қилайлук», деб эркан.

Ва бу иш ниҳоятда яхши ва ғанимат иш эрди. Аммо *Амирлашкар*и марҳум мабодо Арасни Туркистон тарафи Ўрусияға тобеъ бўлса, беш тамғалик жамоаси қўлдан чиқар, деб мулоҳаза айлаб, мундоғ ғанимат ишни қўлдан бердилар.

Ҳосил (ул-калом), ул ердан ҳам кўчуб, Чимкентға яқин бир майдонға кўнуб, *удайчилар* йўк учун *ясаул* дастасин икки бўлиб, ярмини каминаға, ярмини Аҳрорхон тўраи *шиговул*ға топшуруб, ҳар куни икковлон русия тарафиға *қоровуллик*ға машғул бўлдук.

Ҳосил (ул-калом), бир куни саломға йиғилғон вақтида, Бадавлат кўлида бир кимхоб тўн, Мирзо Аҳмад *қўшбеги* кўлида ҳам бир кимхоб тўн олиб чиқиб, Бадавлат каминаға кийдуруб, тош ўткуз(г)ан тилло асони «сиз *шиговул*», деб кўлимға тофширдилар. Мирзо Аҳмад *қўшбеги* (тўнни) Аҳрорхон тўраға кийдуруб, яна бир тилло асони // 43^b↓ «сиз *удайчи*», деб ани кўлиға тофшурди. Ҳосил (ул-

²²⁹⁷ Жомадор ноиб (1805-1880 й. кейин) – панжоблик. Лаҳорда сипоҳийларнинг зобити бўлган. 1850 йилгача сикхлар кўшинида хизмат қилган 1860-1865 йилларида Қўқон тўпчибошиси. Бир муддат Шарқий Туркистондаги Яъқуббек Бадавлат хизматида ҳам бўлгани маълум.

²²⁹⁸ Мазкур тўра Н.А. Северцов – зоолог олим бўлган.

калом), Аҳрорхон тўра бағоят ғамгин ва маҳзун бўлуб, хижолату инфиол тортиб, ночор ғаму ғусса бирла ўзини сабрға солди.

Бир куни Ўрусия аскарлари тамоман тўпу тўпхона бирлан Чимкентга яқин бир тефада уруш бошладилар ва бу тарафдан Жомадор *ноиб* тўпхоналарини ростлаб, ул тефа атрофиға *қарақундоғ мерган*²²⁹⁹ ларни жойлатиб, Русия тўпи мусулмонларни безобита қилди, аммо мусулмонлар тўпхонаси ва *қарақундоғ мерган* ўқи Ўрусияни ҳам хўб бесаранжом қилиб, русия аскарлари мазкур тефадан суруб, пастға тушуб ва Арас тарафиға юруб ва бир ерда андак сувланди. Мусулмон аскарлари уларни орқасидан тушуб ва улар милтиқлари бирлан даф қилиб, Мингбой *парвоначи*ға милтиқ ўқи тегиб шаҳид бўлуб, икки аскар бир-биридан ажрашиб (кетди)].

Ул кеча ётиб эрта бирлан хабардор бўлсак, Ўрусия тамоми Арасдан ўтиб кетибдур. Бинобар он, (Яъқуббек) Бадавлатни // 44^a↓ бир мунча аскар бирлан ўрус орқасидан буюруб, Нормухаммад *парвоначи*, Ниёз Али *додхоҳ*, Темур *понсад*, Мухаммад Юсуф *понсад*ларни Авлиё отаға буюрдиким, Манкат тўғри йўли бирлан тезроқ: «Авлиё отаға кингларким, Авлиё отадан келган ўруслар яна Авлиё отаға бориб киролмасун». Аммо Бадавлат русияға ба таъжил кетган экан, деб етолмай ёниб келди. Аммо Нормухаммад *парвоначи* Тулкибош ва Қулондан ўтуб, Тезсувиға бормамай, «ўрусия Авлиё отаға кириб қолибдур», деб ёлғон ёниб келдилар. Ҳол онки, Авлиё ота русияси сув узоклик ваҳидан *ниҳоят танглик ва азоб тортиб, Нормухаммад *парвоначилар* Чимкент келган сўнгра, бирлаб-иккилаб Авлиё отаға тушдилар. Бул сабабли, *Амирлашкар* мархум буларнинг беғайратлик ва бежуръатлик қилғон ваҳидан *ғазабнок бўлуб, Байзоқ *додхоҳ* қирғиз, қозоқ Мулло Зариф *понсад*, Темур *понсад* ва Мухаммад Юсуф *понсад*ларни Чимкентдан ташқари чиқориб, мазкур Бойзоқни тўп оғзиға боғлаб оттириб, боқиларини сарбоз милтиқлари бирла ўлдируб, Нормухаммад *парвоначини* Тошканд ҳукуматидан азл айлаб, анинг жойиға Мирзо Аҳмад *қўшбеги*ни ҳоким айлаб, Нормухаммад *парвоначи* // 44^b↓ *сарқори* ва *закотчию* амлоқларини дахлу сарфини сўраб, ҳисоб-китоб қилиш учун каминани Тошкандға буюрдилар. Фақир Тошканд келиб, ҳануз иш тамом бўлмай, *Амирлашкар* ўзлари ҳам келиб, Саййид Яъқубхон *қозини* Румға элчи қилиб, унға лойиқ туҳфа ва пешкашларини тофшуруб, Эрон ва Қизилбош йўли бирлан жўнатиб, ўзлари ҳам мурожаат айлаб, доҳили Хўқанд бўлдилар²³⁰⁰.

Аммо бу тарафдан Чернойиб *жондорол*²³⁰¹ русия аскарлари Чимкентни қамаб, бир-икки кундан сўнгра, тадбир узасидан ўзини қочғонға ўхшатиб, андак орқасиға қайтибдур. Мирзо Аҳмад *қўшбеги* нодон мағрур бўлиб, «русия қочти ва шикаст тофти», деб тамоми аскарлари бирлан Чимкентдан чиқиб, Русия орқасиға тушуб, Чернойиб *жондорол* қайтиб ҳамла қилиб, буларни қочириб, Чимкентға кирмоқ учун мажолу фурсат бермабди. Чимкент ичиға Русия аскарлари тушиб²³⁰², Мирзо Аҳмад *қўшбеги* ва тамоми тавобиоти асбобу аслиҳа ва либосу анжомдан ажраб, жариди оту қамчини (ташлаб), // 45^a↓ Тошканд тарафиға қочтилар. Бу хабар Хўқандға еткандан сўнгра, *Амирлашкар* бағоят маҳзун ва ғамгин бўлиб, жаноби Бадавлат мархумға буюрдиларким: «Сиз Тошкандға Мирзо Аҳмад беақл қошиға бориб хабардор бўлинг, минбаъд мундоғ мажнунлик ва аҳмоқлик қилмасун. Мабодо Русия аскарлари Тошкандға келса, шикаст ва хазинат топиб тўпи кўрғондан ташқари чиқмасун, кўрғонни сақласа, кифоя», деб кўп таъкид қилдилар.

Неча кундан сўнгра, Чернойиб *жондорол* Русия аскарлари бирлан Тошканд қасдида чиқди, деб хабар келди. Яна *Амирлашкар* кўп таъкиди балиғ бирла иноят йибориб, ўзлари ҳам тамоми Фарғона лашкари бирлан отланиб, Оқжар кемасидан дарёдан ўтиб, эртаси Бобо тархонға кўниб, намози асрдан сўнгра *Амирлашкар* бирлан мен икковлон шўрбо ичиб турган вақтда, Юсуф Қошғарий деган *йигит*: //45^b↓ «Тошкандни Чернойиб *жондорол* Русия аскарлари бирлан келиб қамаб, кўрғонға югурди ва жаноби (Ёқуббек) Бадавлат кўп ғайрат ва шижоат кўрсатиб, Русия аскарлари шикаст топиб қайтди», деган мазмунда ариза олиб келди. *Амирлашкар*: «Кўрғондан ҳаргиз чиқманглар», деб ба таъкид иноятнома бирла бу одамни қайтариб, ўзлари ҳам хангоми саҳар Бобо дархондан отланиб, Кандир

²²⁹⁹ Қарақундоғ мерган – пилтали милтиқ билан қуролланган сарбоз.

* Хошияда ёзилган.

²³⁰⁰ 18 август 1864/15 раби ал-аввал 1281 йил.

²³⁰¹ Чернайиб жондорол – генерал Михаил Григорьевич Черняев. (1828.21.10(3.11) -1898.4(16)).8, Тубишки қишлоғи, ҳозирги Беларуссиянинг Могилёв вилоятида оламга келган рус мустамлакаси ҳарбий арбоби, генерал-лейтенант (1882). Дворян оиласида туғилган. Ҳарбий академияни тугатган (1853), Қрим ва Кавказ урушларида қатнашган. 1864-65 йилларда алоҳида Ғарбий Сибирь отрядига қўмондонлик қилиб Қўқон хонлигига қарашли Авлиёота, Чимкент ва Тошкентни босиб олган ва Россия империяси таркибида янги ташкил этилган Туркистон области ҳарбий губернатори этиб тайинланган. Тошкент Россиянинг кейинроқ Ўрта Осиё хонлиқларини босиб олиши учун таянч пунктига айлантирилган. Мансабини суиистеъмол қилгани учун 1866 йили истеъфога чиқарилган. Черняев Тошкентни босиб олишда ҳам, губернаторлик фаолияти даврида ҳам Россия ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини изчил амалга оширишга ҳаракат қилган.

²³⁰² 4 октябр (22 сентябр) 1864 йили.

довонидан ўтуб, Келов мавзеиға нузул айлаб, ундин Тўйтефа, Тўйтефадан Тошкандға Минг ўрук мавзеиға кўнуб, тамоми Тошканд, уламо-фузалоси ва машоих у ерда шарафи мулоқотға мушарраф бўлиб, бир-икки кундан сўнгра, Тошканд ўрдаси дор ул-аморасиға кириб, муҳимоти зарурияти мулкиға ижтиҳод айладилар.

Амирлашкар Қошғар ва ани тавобиоти таърифини ва фуқаролари фармонбардор ва жамъияту бетакаллуфлигини кўп эшитган сабабли, каминадан неча карат ул вилоят авзо ва атворини сўраб, ани кўлға кирғузмоқ ва тасарруф қилмоқ шавқи кўнгуллариға тушуб // 46^a↓ ва истило топиб, бу фикр илан уч кунгача ҳеч кимарсани саломға кирмоқ ва суҳбатлариға йўл топмоққа ижозат ва рухсат бермай, фақат каминаки атрофу жавониб ароизин ва ахборин олиб кирур эрдим ҳеч одам ушбу муддатда жаноби *Амирлашкар*ни кўролмай, аммо жаноби Бадавлат бу воқеадан бағоят ваҳмнок ва андишаманд бўлуб, камина манзилимға келиб, «Жон ука, аз барои Худо, огоҳ қилинг, бу нима иш ва нима воқеадур», деб (сўрадилар). Камина жавоб бердимки: «жаноби *Амирлашкар* сизни (Қошғарда) подшоҳ қилмоқ хаёли ва андишасида юрурлар. Мундан бошқа сизға бир зарра зарару захмат аа нуқсон етгурмоқ ҳаргиз гўшаи хотирларида йўк», деб қасам бирла муаккад айлаб хотиржамъ қилдим.

Жаноби *Амирлашкар* уч кундан сўнгра, тамоми саркарда ва умаро ва сипоҳларини саломға рухсат бериб, аркони давлат бирлан Қошғар маслаҳатини ўртаға солиб, охир райлари // 46^b↓ бу маъноға қарор топдиким, Жаҳонгирхон тўра ўғли Бузрукхон тўра²³⁰³ни ҳозир қилиб дедиларки: «Сизни Қошғарға тўра ва хон қилдим, аммо юртдорлиқ ва олмоқу бермоқ ва ўлдирмоқ ва азлу насб ва мунға ўхшаш ишлар тамоман (Ёқуббек) Бадавлат ихтиёрида бўладур. Анға сиз ҳаргиз дахл ва таарруз қилмай, хонлик ва тўралик отиға қаноат айлаб, айшу ишратға машғул (бўлиб), Бадавлат ишоратидан ҳаргиз чикмайсиз», деб, ушбу маъниға қаттиқ қасамлари ғализ бирла аҳду паймон қилдуруб, Қуръон кўтартурдилар.

Жаноби Бадавлат ўзлари минмоқ учун каминанинг бир отим сўрадилар ва фақир мазкур отни тилло жабдуқи ва тилло кўтосу заррин қажимлари бирлан хизматлариға йибориб бар ҳар тақдир хушу хуррам Қошғар тарафиға жўнадилар²³⁰⁴. Андин сўнгра

бешинчи мартаба *Амирлашкар*и марҳум Иқон муҳорибаси²³⁰⁵ға отланганлари баёни турур

Амирлашкар Иқон ғазоти тараддудиға тушуб²³⁰⁶ ва анинг // 47^a↓ асбобу анжомларини ростлаб, тамоми аскария ва тўпу тўпхона бирлан Сарироғоч йўли бирла Чимкентға кирмай, Арас бўйиға кўнуб, ундин кўчуб, Чилик қишлоғиға кўнуб, андин кўчуб Иқонға кўндук. Ул мавзеда намози шомдан сўнгра, хуфтон вақтиға яқин бир мунча ўрус аскарлари Туркистондан чиқиб келиб, Иқон яқиниға кўнди, деб хабар келди. *Амирлашкар*и марҳум: «Сиз кўшу филта ва хазиналарни Иқон ичидан ташқари олиб чиқиб, хабардор бўлунг», деб буюрдилар.

Камина Иқон ичидан Чет мавзеиға кўш ва хазиналарни олиб чиқиб, ул кеча хушёрлик ва бедорлиғ бирлан бўлдум. Эртаси *Амирлашкар* хизматлариға келиб кўрдумки, ўрусияданг юз нафарға одам бир жойда тўпдур. Бизни аскарларимиз аларни тамоми атроф ва жавонибларини олиб отатуб ва милтиқ ўқидан ҳеч кимарса уларға яқин боролмай, ночор қорабўрани қилмоқ тараддудиға тушуб, шоҳу намад ва фахол (самон)у // 47^b↓ арқон жамъ қилиб, тамоми аскария ўрусия атрофу жавонибидан

²³⁰³ Бузрукхон тўра (1824-1877) – Жаҳонгирхон тўра ибн Солиххон тўра ибн Саййид Оффокхўжа ўғли. Қошғарнинг қўғирчок ҳукмдори (1865-1867). 1867 йили ҳаж сафаридан кейин Кашмир, Панжоб ва Бухорода бўлиб, Қўқон яқинидаги Кинагез қишлоғиға келиб яшаган.

²³⁰⁴ “Мулло Алиқули амирлашкар шаҳидлигидан сўнгра Фарғона ва Тошканд лашкари ўртасида фаторат тушди. Ҳукумат Русия ва насрония кўлига ўтди. Аксар ва аглаб садорат ва нақобат, шайх ал-ислом ва қозийлар, қабила бошлиқлари ва авулла саркардалари... Қошғар билодига даҳолат қадамларини кўйдилар (135^{a, b}). Булар қози Зиёвуддин маҳдум қози Мирзо Раҳимжон Тошкандий ўғли, Мулло Муҳаммадйонусжон шиғовул мирзобоший Тошкандий – Тойиб (кейинчалик Ёрканд ҳокими, шоир ва тарихчи), Фарғонадан Бузургхон тўра ибн Жаҳонгир тўра, Кичкинаҳон тўра, Ҳакимхон тўра ибн Бобожон тўра (Ёқуббек Бадавлатдан кейин Қошғар ҳокими), Мирзо Аҳмад кўшбеги, Муҳаммадназар кўшбеги, Ҳакимбек шиғовул, Хўжабек ҳудайчи, Эшон Тошхўжа судур Тошкандий, Нишонбой Мирзо Ўтаббой кўшбеги қипчоқ ўғли, Муҳаммаддиёр Нормуҳаммад кўшбеги қипчоқ ўғли, Шермуҳаммад Мулло Алиқули ўғли, Кўш парвоначи қипчоқ, Бухородан Мирзо Камолиддин дафтардор, вазир ҳазрат Хўжа Аҳрори Валий авлодидан Убайдуллоҳ Тошкандий (“Хулосат ал-аҳвол” муаллифи), Эшон Мусохон тўра ибн Саййидхон тўра мутаваллий, Жомадор тўпчибоши, Хайрмуҳаммад Афғон ёвар ва бошқалар бўлган. Тарихи жадидаи Тошканд. 135^{a, b} вар.). Булардан ташқари яна Ҳамдам ботурбоши, Туробхўжа ясовул, Абдуллоҳ понасад, Ғозибек понасад, Муҳаммадқули шиғовул, Хўжа калон ҳудайчи ва б. (300 га яқин киши) Шарқий Туркистонга кетган. Яқуббек жади оий 1281/22 декабр 1864 ёки 21 январ 1865 йили Қашғарга кетган.

²³⁰⁵ Иқон воқеаси 16-18 (1-6) декабрь содир бўлган.

²³⁰⁶ 25 ноябрь (7 декабр) 1864 йили қўқонликлар Тошкентга келган.

қорабўрани боғламоқға машғул бўлуб, қорабўрани андак-андак урасияға яқин бомоқ тараддудиға туштилар ва қорабўрани суруб, ани паноҳида аскария ҳам ўрусияға яқинлашиб ва ниҳоят яқин бўлғондан сўнгра, аскария қорабўйра орқасидан чиқиб, Ўрусия кўшиниға юугуруб кирдилар. Русиядан ажал етгани ўлиб, боқимонда элик нафардан ортиқроқ ўрус тўфини кўзиға суғорғон пўлод сих қоқиб, ўзлари кўшдан чиқиб, соний оҳисталик бирлан Туркистон тарафиға юрдилар. Мусулмон аскарлари уларни атроф-жавонибларини қуршаб, саъй тараддуд қилдилар. Аммо Русиянинг низомлик ва қонун бирлан отадурғон милтиқи ўқидан уларни олмоқ муяссар бўлмай, саломат Туркистон вилоятиға кириб кетдилар²³⁰⁷. *Амирлашкар* тамоми Иқон фуқаросини амволу асбоб ва матоъу ашёлари бирлан // 48^a↓ куллан Иқондан кўчуруб, теваю отларға юклаб, борғон йўлимиз бирлан Тошкандға қайтиб, Иқон фуқароларини Тошкандға жойлаб, Марғинон ҳокими Қўш *парвоначини* Тошкандға ва Тошканд ҳокими Мирза Аҳмад *қўшбегини* Марғинонға ҳоким қилиб, андин сўнгра, ўзлари мурожаат айлаб, дохили дор ус-салтанати Хўқанд бўлдилар.

Бир неча муддатдан каминаи ҳақир ҳамиша мусолаҳа орзуйини қилур эрдим. Яна фурсат тофиб, жаноби *Амирлашкар* марҳум хизматлариға: «Ал-он қиш фасли ва урушу муҳориба иўқ, тинчлик ва хотиржамлик маҳалидур. Шул вақтда бир ҳушёр одам Тошканд бориб, Чернойиб *жондорол* бирлан мусолиҳа важҳидан сўзлашиб, келса ямон бўлмаса керак», деб арз қилдим.

Жаноби *Амирлашкар*ға мақбул тушуб, «Бу ишға ўзингиз лоиқ ва муносиб» ва деб каминани Тошкандға буюрдилар. Кимина Тошканд бориб, ўз жонибимдан қилмай, Мулло Нурча *закотчи* тилидан Чернойиб *жондорол* номиға мусолаҳа важҳидан ниҳоят мулоим ва муҳаббатангиз // 48^b↓ китобат ёзиб, савдогар аҳлидан Мулло Абдусаид хожи ва Муҳаммадкаримбекни элчилик тариқасида қилиб Чимкентға юбордим. Чернойиб *жондорол* мазкурларни иззат ва икром айлаб, китобатларини кўриб, «Мунга, бу хатни ёзмоқ Мулло Нурча закотчининг ҳадди сиғмас. Хат эгаси ким эканини ўзим билурман. Мендан салом айтурсизлар», деб ширин ва дилфисанд ибора бирлан хат ёзиб, элчиларни қайтарди.

Ҳосил (ул-калом), бир-икки ва уч дафъа одам бориб келғондан сўнгра, бир дафъа Чернойиб *жондорол* каминаға ёзибдурки, «Мен ўйлайманки, сулҳу ошти ва яраш сизларни тилларингизда бор, аммо дилларингизда йўқ. На учунки, икки подшо орасинда ҳар қанча уруш ва муҳориба бўлса ҳам, савдогарни бормоқ-келмоқлари манъ бўлмаса керак. Сизлар бу йил савдогарни юбормадинглар ва ҳам Чимкентға ўрук ва майиз бермакни манъ қилдинглар», деб ёзибдур.

Камина жавоб бердимки, «расм ва қоида шул эрдик, Тошканд, Хўқанд ва тамоми Туркистон Фарғона савдогарлари юқларини боғлаб тайёр бўлуб, сиз тарафдан // 49^a↓ жаффос²³⁰⁸ жамоаси тевалари бирлан келиб, буларни юқларини кира қилиб, олиб кетар эрди. Бу йил уларни юбормадингиз, тамоми мусулмонлар моли киракашсиз маътал қолиб, кўп зарар бўлди. Мулоҳиза қилмоқ керакким, савдогарни манъи бизларданму ё сизларданму? Аммо ўрук ва майиз бўлса, бу йили Тошканду Хўқандда қиш ниҳоят қаттиқ бўлиб, дарахтларни совуқ уруб, мева жинси ниҳоят оз ва қийматдур. Шу сабабли, савдогар ўзи ўтмади, ҳеч ким манъ қилган эрмас».

Алқиса, орамизға китобат бирла ошнолиғ ва муҳаббат тушгандан сўнгра, камина ёздимки: «Икковлон сабабимиз бирла икки подшоҳ оралариға сулҳ воқеъ бўлса, тамоми халқуллоҳға нафъу фойдаси етса керак. Аммо, сарҳад аввалан, муқаррар ва муайян бўлса, яхши булур эрди».

Чернойиб жаноб ёзибдурларки: «Сизнинг муродингиз сарҳаддин Чимкентдур. Бу иш ҳаргиз бўлмаса керак, чунки мен Чимкентни кўп меҳнат ва машақатлар бирлан олдим ва ани тобеъ бўлғонин импротури аъзам хизматлариға арз қилғонман. // 49^b↓ Мундоғ жойни сарҳад қилмоқ мумкин эрмас. Лекин чегара Шаробхона²³⁰⁹ бўлсин. Шаробхонадан Чимкент тарафға мусулмон аскарлари ва Тошканд тарафиға Русия аскарлари ўтмасун. Бу маънода хон ва *Амирлашкар*дан хат олиб беринг, ман ҳам импротури аъзам қўлларини кўйдуруб бериб, мустаҳкам қилайлук», деб.

Камина бу мусолаҳани (сулҳни) давлати аъзам ва катта ғанимат фаҳмлаб, жаноби *Амирлашкар* марҳум хизматлариға ариза ёзиб, *жондорол* хатини кўшиб йибордим, ўзум шукронаға ҳазрати Занги ота наввараллоҳу марқадуху зиёратлари учун Тошканддан чиқиб бир икки кун хатми қуръон ва зиёратға машғул бўлдум. Ул мавзеда Баҳром отлиғ ғулом жаноби *Амирлашкар* хизматларидан муборакнома келтурди. Мазмуни шулким: «Мусолиҳа ишини мавқуф кўюб, ўзингиз Тошканддан Шодибек *додхоҳ*, Хайр Муҳаммад *ёвар* ва Чордара ҳокими Берди Мурод *эшикогаларни* ҳамроҳ олиб, Хўжандда, мани дуо қилинг», дебдурлар.

²³⁰⁷ Иқон муҳорабасида Серов бошчилигидаги дастасидан (жами улар 103 нафар бўлган, 2 зобит, 97 казак, 4 аскар, 1 йўлбошчи Аҳмад) 1 зобит, 50 казак, 2 аскар кейинчалик олинган захмларидан 11 урал казаклари ҳалок бўлган эди.

²³⁰⁸ Жаввос жамоаси – қозоқларнинг алчин қабиласидаги бой ули уруғи шохаси.

²³⁰⁹ Шаробхона – Тошкент ва Чимкент ўртасида жойлашган манзил.

Камина ночор битган ишларни ташлаб ва тайин қилгон одамларни ҳамроҳ олиб, Тошканддан жўнаб, // 50^a↓ Кировучига қўнуб, Кировучидан саҳар вақтида жўнаб, аввали вақти пешин Хўжанд дарёси лабиға бориб, дарёдан ўтдум. *Амирлашқари* марҳум арк остидағи боғда истироҳатға машғул эрканлар. Шарафи қадамбўси учун боғға кирдим ва *удайчилар Амирлашқар*ға хабар бермоқға журъат қилмадалар. Ночор камина тухфа ва пешкашимни олиб, боғ иморати тарафиға мутаважжух бўлдум. Бул аснода якбора *Амирлашқари* марҳум иморат эшикини очиб, баланд овоз билан: «Сизға истикболға чиқсам», деб илтифот қилдилар. Камина шарафи қадамбўс ҳосил айлаб, муборак қўллари бирлан қўлимдан ушлаб, арк тарафиға мутаважжух бўлуб, аркға олиб чиқдилар. (Ал)ҳосил, пешин хангомидан то хуфтан фаслиғача хизмати шарифларида бўлуб, бўлгантамоми воқеот ва ҳодисоти арз қилдим. Жаноби *Амирлашқари* марҳум ниҳоят хурсанд бўлиб дедиларки: «Бу мусолиҳа ниҳоят яхши ва писандидадур ва мундан яхши маслаҳат йўқ. Аммо, бир нукта мени қабул қилмоқдин манъ қиладур», дедилар

Фақир арз қилдимки: «Ул нуктани камина ҳам англасам, // 50^b↓ ямон бўлмас». Марҳамат қилдиларки: «Бу мусолиҳа, албатта, халқуллоҳ манфаати ва юрт осойиши, дину миллат ривожи эрур. Аммо Туркистон ва Фарғона аҳли бағоят нодон ва зарару фойдани билмаган жангали одам ва баҳойимдурлар бу мусолиҳани қилсак, ҳаммалари нодонлиқдан, *Амирлашқар* ва *шиговул* деган икки малъун ўз осойиши ва айшу ишратин кўзлаб, бу қадар мусулмонларни ўрусға ташлаб, сулҳ қилдилар. Агар булар ғайрат ва ҳамият қилсалар, ҳаммамиз ғазотға отланиб, бул тараф Ўрунбурхға ва ул тараф Симифулодғача олар эрдук», деб тирик бормиз ўзимизға ва ўлганимиздан сўнгра, фарзанду набираларимизға лаън ва таън йиборсалар керак. Эмди уруш бўлса, мендан бошқа киши ўлмай, танҳо мен ўлуб, халқ халос топар. Мунча нафрин эшитмак нима ҳожат эмди? Бизға мусолиҳа важҳидан сўз қилманг, токи савдом кўзғолиб, суфрам ғалаба қилмасун», дедилар.

Камина ҳам сўзлашға мажолим қолмай, сукутдан ўзға чора топмадим. Алҳосил, Хўжанд ҳукуматидан Аҳрорхон // 51^a↓ тўрани азл ва ани ўрниға Тағойқули *додхоҳ* ўғли Муҳаммад Аюб мирзони насб айлаб, дору-с-салтанатға Хўқандға мурожаат қилдилар. Хўқандға келгандан сўнгра, сипоҳия ва аскарарияға либосу сарпо бермак тараддудиға тушуб, сарпо бериб турган вақтда Тошканд ҳокимидан «Чернойиб жондорол тамоми Русия аскарари ва тўпу тўпхонаси бирлан Тошканд қасдида Чимкентдан чиқти²³¹⁰», деган хабар келди.

Олтинчи мартаба амирлашқари марҳум Тошкандда Чернойиб жондорол бирлан мухориба қилиб шаҳид бўлгонлари баёни

Амирлашқари марҳум дарҳол лашқар жамъ бўлиши учун Марғинон ва Андижон, Ўш, Шаҳрихон, Намангон ва Чустға одам йибориб ва уларни аскарари етгунча сабру таҳаммул қилмай, Хўқанддағи ҳозир аскар ва тўпхона бирлан Тошканд тарафиға отланиб, Чилмаҳрам кемасидан дарёдан ўтуб, Симғар мавзеиға ўтиб, субҳи содиқ қўшин Симғардин кўчуб юрғондан сўнгра, каминани: «Сиз қўшун олдиға тушуб, Саримсоқли давонидан ўткондин сўнгра, бир яхши жойға қўшунни // 51^b↓ кўндурунг», деб буюрдилар. Камина таъжил ва шитоб бирла юруб, Саримсоқли давонидан ўтуб, бир яхши сабзозору алафзор жойға қўшинни кўндирмоқчи бўлдум. Хон ва *Амирлашқар* хайма ва боргоҳларин жойини тайинлаб турган вақтда *Амирлашқар* ўзлари ҳам етиб келиб: «Мундан андак илгарироқ ўтунг», деб буюрдилар. Камина яна қарийб бир фарсах юруб, бир сув оғзиғаким, ниҳоятда покиза ва алафзор экан, қўнуб, қумғон ва чойжўшларға ўт қўйуб, сув қайнаган вақтда, *Амирлашқар* етиб келиб қўнуб, бир-икки фиёла чой ичган маҳалда Тошканддан Алиқул *удайчиданки*, Тошкандға илғорлик тариқасида борган эрди, ариза келди. Мазмуни шулкним: «Чернойиб жондорол келиб, Шўртепаға қўнуб, Тошканд муҳосирасиға машғулдир. Аммо Тошканд фуқаросини авзои бошқа бўлуб, ақидалари бузилгонға ўхшайдур».

Жаноби *Амирлашқар* аризани ўқуб, каминаға «Муни кўрунг», деб ташладилар. Камина кўруб: «Бул бир беҳуда хаёл ва васвос сўздур. Алиқули *удайчи* ўзи фаҳми ноқис бирла шул тариқа ўйлабдур, // 52^a↓ аммо то жанобингиз айёми ҳаётда борсиз, Тошканд аҳлини ихлосу ақидаси ҳаргиз тағйир ва завол топмас», деб арз қилдим. *Амирлашқари* марҳум марҳамат қилдиларки, «Сиз ва Рустамбек *додхоҳ* ўғли Ражаббек бирлан Тошкандға бориб, фуқаро аҳволини хўб фаҳмлаб, менға ариза ёзинглар, то анға қараб иш қилайлук», дедилар

Фақир арз қилдимки: «Иккимиз на даркор? Ражаббек борса ё ман фақир борсам кифоя қилурмиз. Аммо тамоми Тошканд аҳлидан ғайр аз жонбозлик ва жонсипорлик ҳеч бир нолойиқ содир

²³¹⁰ 1865 27 апрел.

бўлмаслигига мен кафилман», дедим. Яна савол қилдиларки: «Бу мавзе бирлан Кировучи ораси масофати қанча экан?» Камина: «Мен ўзум юриб кўрган эмасман, илло халқ сўзидан маълум бўладирки, масофати бир фарсахга яқин эрмиш». Жаноби *Амирлашқари* марҳум: «Андоғ бўлса, Кировучига инзол айлаб, каминага Тошкандга ўзунгиз борурсиз. Тошканд ҳокими ва акобиру ашрофларига иноятнома ёзуб, намози шомдан сўнгра: // 52^б↓ «Отларингизга хошоку ем бериб, тайёр бўлунг, кечалаб юрурсиз», деб буюриб, ўзлари ўтовдан хос хаймага ташриф келтирдилар.

Камина иноятномаларин ёзуб, отларга ем беруб, хос хайма эшигига борсам, иттифоқан *Амирлашқар* ҳарорати муставли бўлуб, иситма шиддатидан ўзларидан беҳабар ва беҳуд қўлоғларини таштдаги сувга солиб ётган эканлар. Фақирга мулоқот муяссар бўлмай, Баҳром отлиғ ғуламбаччага: «Ҳар вақт *Амирлашқар* хушларига келсалар, менинг ҳозир мунтазирлигимдан хабар қил, вақт ўтмасун», деб таъкидлаб, ўзум хайма эшигида ўтурдум. Хеле муддатдан сўнгра, хушларига келиб, камина ҳам хизматларига кириб, муборак муҳрларини олиб, иноятномаларни муҳрлатиб, Тошканд ҳокими, акобиру ашрофига лойиқ ва муносиб либосу сарполарни хазинаи олийдан олиб, жаноби *Амирлашқар* бирлан видоъ қилиб, кечаси жўнаб, эртаси чоштгоҳда доҳили Тошканд бўлдум. Қўш *парвоначи* Тошканд ҳокимини кўриб, уни либосу сарпосини бериб, андан сўнгра шаҳар // 53^а↓ ичиға тушуб, *қози калон*²³¹¹, уламо, фузало ва машойихларни кўриб, уларга тайин бўлгон либос ва сарполарни бериб, *Амирлашқар* ҳақларига дуо олиб, намози шомдан кейин кўрғонни айланиб, ҳар жамъият ва дарвозада тўхтаб фуқарога дилдорлик бериб, *Амирлашқар* марҳаматларин ва яқин келгонларин етказдим. (Ал)ҳосил, намози бомдод вақтидан сўнгра, қўшу манзилимга келиб, икки-уч кеча тамоман уйқудан қолиб, муни узасиға саратон²³¹² офтобининг ҳарорати қўшулуб тамоми аъзо ва ажзоларимдан қаттиқ ҳарорат истило топиб, беҳуд йиқилиб, ўшал куни оламдан нима ўтгонини ва нима бўлгонини ҳаргиз билмайман. Эртаси тўп овози бирлан фи-л-жумла ўлик мисоли бемажол ўзимга келиб, хабардор бўлдумки, Кировучидан мен жўнагондан сўнгра, қазову қадар ва ажали муқаддар кашиши бирла *Амирлашқар* ҳам Тошкандга келиб, Ўрусия аскарлари²³¹³ бирлан уруш ва муҳорибага машғул бўлгон эркан²³¹⁴. // 53^б↓ Русия аскарлари мусулмонлар тўпу милтики зарбидан бесаранжом бўлуб тургон вақтда тақдири илоҳий бирла Ўрусия аскарларидан бир ўқ *Амирлашқари* марҳумга тегиб, отдан йиқилиб²³¹⁵ ва мусулмон аскарлари урушни кўюб, ул кишини отга олиб, шаҳарга кирғузмокқа машғул бўлганда, Русия лашқари амон ва ғалаба топти. Агар бир соат ёки ярим соат муҳлат бўлса, валлоҳи аълам, Ўрусия аскарларига шикаст ва мағлубият насиб этарди. Лекин Худованди азза ва таоло иродаси Туркистон ва Фарғона вилояти импротур тасарруфига кирмокға тааллуқ топғансабабли, фурсат бўлмай, бу ҳодиса юз келтурди²³¹⁶. Аммо, *Амирлашқари* марҳум шаҳарга кириб то нафас мунқатиъ бўлгунча умаро ва сипоҳларни ғазотга таҳрис ва кўрғон муҳофизатиға тарғиб айлаб, тоири руҳи шарифлари қафас қолаби унсуридан ошёни қудсийға фарвоз айлади. * Аллоҳ уларни кенг ва комил марҳаматидан раҳмат қилсин! Аллоҳ бизни ва барча мусулмонларни энг яхши мукофотлар бирлан баҳараманд этсин!*

Ул вақтда умри // 54^а↓ шарифлари тахминан ўттиз уч ё ўттиз тўрт ёшда эди. *Амирлашқар* вафотидан сўнгра, Мирзо Аҳмад *қўшбеги* ва Бекмуҳаммад *қўшбеги* ва Тошканд ҳокими Қўш *парвоначи* тамоми Фарғона аскарини бошлаб, Хўқанд тарафиға қочтилар. Камина буларни ҳарчанд ҳар қайсиларига алоҳида уч нафар одам йибориб: «Бу қилгон ишлари савоб ва маслаҳатдан йироқдур, шаҳарга кирсунлар, Ўрусия душман бўлса ҳам номард эрмас. *Амирлашқар* шаҳид бўлгонини маълум айлаб, яхшилиқ бирлан қайтайлик», десам ҳам қабул қилмай ва қулоқ солмай, юборган одамларимга жавоб бермай, Хўқандга келиб, Бекмуҳаммад *қўшбеги*, Мирзо Аҳмад *дастурхончи* бўлиб, Худойқули деган манкуби фалокатзадани хон кўтариб, Фарғона вилоятини қасру ҳукуматини хароб айлаб, буздилар.

²³¹¹ Қози калон – шаҳар қозиси. 1863 йили шаҳар қози калони этиб Алиқули амирлашқар Эшон Ҳакимхўжайи Себзорийни таин этган эди.

²³¹² Саратон – қуёшнинг чаён/ақраб буржида бўлган энг иссиқ вақти (21 июнь-22 июль).

²³¹³ Босқинчилар сафи саккизда пиёда рота, 2 казаклар сотнясидан иборат бўлиб, уларда 10та тўп бўлган. Тошканд қамали вақтида уларга яна иккита рота икки тўпи билан келиб қўшилган (жами 1300 аскар). Бу кучларга полковник (кейинчалик генарал) Абрамов, подполковник Жемчужников, ротмистр (кейинчалик полковник) Вульфферт, поручик (кейинчалик генарал) Пётр Михайлович Шорохов, майор Делаacroа, полковник Краевский ва б. кумандонлик қилган.

²³¹⁴ Архив маълумотларига қараганда Алиқули қўл остида 40 мингданг ортиқ аскар бўлган. Улардан 10 минг нафари доимий қўшин бўлиб, 40 та тўпга эга эдилар.

²³¹⁵ Алиқули амирлашқар 23 зу-л-ҳижжа 1281/19 май 1865 йили Тошкентнинг Минг урук мавзеига келиб тушган. 21 май амирлашқар босқинчилар ўқидан яраланиб вафот этган.

²³¹⁶ Тошкентлик қамал вақтида 40 баррикада, 10 сангарда туриб жанг қилганлар. Уларнинг ихтиёрида 73 та тўп бўлган. Мудофаа жанглари натижасида босқинчилардан 25 нафар ҳалок бўлиб, 157 нафар яраланган.

* Араб тилида ёзилган.

*Фа алайҳим мин аллоҳи мо йастаҳиқа алайҳим. Ва ушбу сана, яъни 1320 ҳижрияи муҳаммадия алайҳи-с-салом ва ут-таҳия, 1303 милодияи исавия алайҳи-с-саломда Андижон шаҳри ва унинг тобии // 54^б↓ Хўқандқишлоқ ва мунға тобе Тош кечук ва Оқ масжид ва Тешуктош ва мунға ўхшаш жойларда рамазони шариф нисфида амру иродаи илоҳий бирла зилзилаи азима ҳодис бўлуб кўп иморатлар инҳидом топиб, йиқилиб ва кўп одам ва жондор ва мавоши иморат остинда қолиб ўлуб ва мунинг узасиға киш барудати ва ҳаво совуқлиғи кўшулуб ҳавли машҳар зухур қилиб халқуллоҳға кўп меҳнат ва машаққат юз келтургон вақтида яна Аллоҳ таоло лутфу карами бирла бу хонавайрон бўлгон фуқаро, меҳнат ва машаққат балосиға тушғанраоё, яъни Андижон фуқароси узасиға аморат ва иёлотпаноҳ ҳурматлу пулкувлик Коритуф тўра²³¹⁷ қадамлари бош ва ҳокимлиғ бирла етиб ва ул маъдалатпаноҳ фуқаро аҳволиға ниҳоят тараҳҳум бирлан назар айлаб ва қадима барпо бўлгон зулм ва бидъатларни билкуллия барҳам бериб ва халқуллоҳ дилу жигариға зилзила наштари ва киш ва совук ханжаридин пайдо бўлгон захм ва яралариға лутф ва марҳамат айлаб // 55^а↓ ниҳоят даража илтифот ва эҳсон қилиб ул захм ва жароҳатлар беҳбуд тофиб ва бул ҳоким тобеълари Султанонод қисмини бошлағучи Ионуф тўраи ноиб²³¹⁸ ҳам ўз тобе фуқаролари аҳволдан ниҳоят хабардорлиғ айлаб марҳамат кўргузуб ва халқуллоҳ зироати ва экинлариға зарар ва нуқсон еткурғанмалах ва чигуртка уруғи ҳар ерда бўлса ғоят диққат ва саъй бирлан тофиб нест ва нобуд бўлуб ва халқ зироатлари малах офатидин фи-л-жумла нажот тофиб ва яна ҳар мавзеға анбор жойлаб ҳар жинс ғалла жойғориб бул вужуддан тамоми халқуллоҳға кўп манфаат ва фойда ва рафоҳият ҳосил бўлди.

Бу зилзила авосати рамазони шарифда ҳодис бўлса ҳам узойиб бир неча муддатда бир зилзила ва изтироб ваҳшатли ер сиқилуб то авохири рабиъ ул-аввал имтидот топти. Аллоҳ таоло бу икки ҳоким ва ноибни худо бандалари учун бу қилгон ҳидоят ва шафқатлари мукофотиға умедким катта мансаб ва улуғ мартаба // 55^б↓ ларға еткурса ажаб эрмас. Иккинчи импротури аъзамни давлати олиялари то охири даврон мустадом айлаб ва умрлариға баракат бериб, узун қилиб аҳлияларини ва жамиъ фарзандларини ва асҳоби шўро ва министрлари ва рифъатлу ярим подшоҳ ва губурнотур ва бош ҳокимлари ва ҳаммаи аскарларини жамии офотдан амон соқлаб ва давлату ҳашмати олияларин мустадом ва бардавом қилсун, омин. Таммат. Тамма.

Тазниб. Руссия подшоҳи импротури аъзам қадимги аёмдан буён подшоҳи комкор ва султони зу-л-иктидор ҳамиша амсол ва ақронлариға ғолиб ва фируз жанг эрур. Чунончи ҳазрати Искандар зу-л-қарнайн аёми салтанатларида ер юзи ва етти иқлим ва рубъи маскунни мусаххар айлаб ҳеч подшоҳ ул жаноб муҳорабасиға тоб ва тоқат келтурмаған маҳалда Русия подшоҳи ҳазрати Искандар муқобаласида сафоро бўлуб майдондорлиғ айлаб ва оламға ғолиб булған аскарияи Искандария бирлан узок муддат урушуб // 56^а↓ ва аксар авқот ғалаба зоҳир айлаб, аммо маҳз фазл ва инояти илоҳи бирлан охир ул-амр ҳазрати Искандар ғалаба ва зафарға ихтисос топтилар. Бу таҳрирдан маълум бўладирким Русия давлати азим уш-шон ва қави ул-бунён давлат эрур ва бу давлатға муқобила муҳораба қилмоқ ҳар кимарсани ҳадди эрмас ва ҳар кимарсаким бу сўзға шак ва шубҳаси бўлса ҳазрати шайх Низомий ганжавий алайҳи-р-рахма «Хамса»ларидан «Искандарнома»ни уқуб кўрса бу ҳикоя сидки равшан ва маълум булғусидур.

Ва яна жаноби амири кабир Абу Наср Муло Алиқули амири шаҳиди марҳум авсофи ҳамида ва хисоли писандидалари ҳад ал-афзун ва ададдан берун булуб, анинг тамоман тафсили бирла зикр қилмоқ мутаассир ваа мутааззирдур. Аммо «дарк этилган нарса тарк этилмас» мақолининг мазмуниға биноан дарёи Уммондин бир қатра ва меҳри дурахшондин бир зарра ва хабардордан парвона кўргандек бу маҳалда шаммае изҳор қилмоқ лойиқ ва лозим кўрунди. Маълум ўлғайким жаноби амири мазкур малакаи диловарлиқ ва шижоат ва улухиммат, // 56^б↓ саховат ва иффат, назоҳат ва тасиси қавоиди дин ва давлат, таъҳиди бунёни шаръ ва миллатға беназир ва бемонанд бўлуб муборак тиллариға хилват ва анжуманда ҳаргиз иборати фаҳш ва калимоти нолойиқ жараён одоби шаръ ва суннат риоясин қилиб ҳукумат маснадиға ўлтурғондан сўнгра мажлиси шарифларида ҳаргиз ҳашв, лағв, лаҳв ва лаъб ва беҳуда сўз зикр топмай машойихи уззом мажлислари мисли масоили диния ва фавойиди яқиния ва тадбири осоиши фуқаро ва раоё мазкур бўлуб, деган сўзлариға барқарор туруб, хилофи ваъда ҳаргиз судур қилмас эрди. Ва агар бадавлат амир Муҳаммад Яъқуббек Ғози ҳам аксар бу хисоилда шарик ва сайҳим ва шижоат ва зиракликда беназир ва бемонанд эрди, аммо бу хислатлар амири кабирда табиини ва азизий ва бошқаларда касбий ва синоий ва амири кабирда малакаи росиха ва бошқаларда ҳолоти зоила эрди «Кўзнинг ўзи қора бўлса унға сурма не керак?». Ваҳоланки амири кабирдағи илму фазл таржих ва тафзили ақво сабабли (бўлган].

²³¹⁷ Пулкувлик Коретов –

²³¹⁸ Ионуф тўраи ноиб –

Аллоҳ таоло раҳмати бирлан уларни мағфират айласин, // 57^a↓ масканларини боғи ризвон ва жаннат фирдавси этсин! Бутун оламнинг мураббийси бўлган Аллоҳга ҳамдлар, салоту ва саломлар эса қиёматгача унинг ҳабиби ва сайидларнинг аввали ва охири, пайғамбарлар ва расулларнинг хотами Муҳаммадга, унинг барча авлоди ва саҳобалариға бўлсин.

Тамма ал-калом ал-малику-л-аллом сана 1321 ҳижрия, сана 1914 милодияи исавия явми якшанбе 24-нчи моҳи рамазони шарифда тамом бўлуб таҳрир тофти. Аллоҳим ўз раҳматинг била муаллиф ва котибни, жамии муминлар ва муминаларни, мусулмон ва муслималарни кечиргин, эй Раҳимларнинг энг Раҳими.

Фасли дигар. Ва аммо амирлашқари марҳумнинг Андижон уезида Қаросу мавзеида бино қилғон мадрасаи олийлари Маллахони марҳумни вақтида сана 1278 ҳижрий, сана 1859 милодияи исавийда бошланиб ва орада Маллахони марҳуми шаҳид ва амирлашқари марҳум Худоёрхон муҳорабасиға иштиғол қилиб ва мадрасани итмомиға фурсат тофиб кўролмай сана 1862 масиҳий, 1280 ҳижрий итмомиға етиб ва амирлашқари // 57^o↓ марҳум шаҳодат тофиб бизлар Кошғар тарафимға кетгондан сўнгра, Хўқанд ва Фарғона давлатиға Худоёрхон истило тофиб камоли рашк, балки зулм ва нодонлиқ узасидин бузуб, яғочларини бошқа жойға тошуб ва мадрасаға аҳли илм, балки одам кирмасун, деб хароблиғиға саъй айлаб мадрасаи мазкурни пода қамайдурған ва мол қамайдирған қилиб хароб айлаб муддати 14 йил ушбу хароб ва вайронлиғда туруб, сўнгра бу вилоят импротури аъзам, яъни Русияға ўтғандан сўнгра камоли маъдалатдан яна бу мадрасаға одам ва толиб ул-илм кирмоқға ҳукм айлаб вақфларини жорий қилиб яна қайта бошдан бино қилғондек маъмур ва ободон бўлуб, вақфлари барқарор, собиқ истехком топти. Аллоҳ таоло импротур давлатларини доймий айлаб адолат маснадида барқарор қилғай. Агарчи бу мадраса аввалан амири лашқари марҳум биноси эрди, аммо мужаддадан импротури аъзам ҳукми олийлари бирла таъмир топиб ул жаноб номлариға нисбат бермоқ муносибдур. Тамом^{*}.

* Икки юлдузча орасидаги матн Ўз ФА ШИ матнида йўқ.

Х. Муҳаммадюнусжон Тоиб. ТУҲФАЙИ ТОЙИБ²³¹⁹.

// 23^б Бисмиллоҳи-р-рахмони-р-рахим ва Ундан бу ишни тугатиш учун мададлар бўлсин!

Худовандо! Амалларим саҳифалари ошифта ва паришон фанлар қавми устида бўлиб, жами маъноларнинг камчиликлари вайронагарчиликдир; феълимнинг дафтарлари тарқоқ хатлар билан қора кунларим тафсилотларини ёзилажак. Шундай нопокликлар билан Сендек муқаддас зотнинг ҳамду саносига тил очсам қилмишларим тафти куйдурар. Бундай чиркинликлар билан Сендек мунзаҳий жанобнинг навосини куйсам уят тери мени эритар. «Ло тақнату»²³²⁰ деган ояти каримасидаги сўзлар рижо майдонининг кенглигига сабабдир ва «шафоати ли аҳли-л-кабоир» риштаси расолик мадади ва таманно арқонидир. Арабча шеър:

Рубоий:

Аз тоатам арчи дастгоҳе набувад,
Ва зи тақво ва зухдам пари коҳе набувад.
Шодам ки ба даргоҳи карими мутлақ,
Аз арзи вараъ фузун гуноҳе набувад.
[Тоатимдан гарчи ҳеч бир фойда бўлмас,
Тақво ва зухдим қадри ҳам бир сомончадек бўлмас.
Бироқ хурсандлигим шундаки, мутлақ Худонинг олдида,
Вараъдан кенг бир гуноҳим бўлмас].

// 24^а Ва ҳамчунин рисолат (пайғамбарлик) иқлимнинг шоҳаншоҳи ва мустафоси (Муҳаммад)ким сўровчиларнинг олам кезувчи хуршиди ҳар шомда унинг остонаси олдида ўтиришар, осмонни кезувчи тўлин ой ҳам унинг эъжозидан иккита бўлакка бўлинар, Замзам чашмаси²³²¹ унинг ёриқ юзи билан рўпара келганидан саодатманд бўлиб Кавсар ҳовузи²³²² эътибор мавжини раво этар, пок тупроғ ҳам унинг тоза жисми билан учрашгач арши аъзамга баландлик ато қилар, фахру ғурур дастгоҳи унинг истиъдоди кучидан ерга яксон бўлар, хокисорликким унинг оламга келишидан бери фақат қора сочларга тақалган катта муҳралар ва хурофотнинг майда-чуйда ушоқларигина териб юрар эди, дурру гавҳаршунослар растасида бўлганлар балоғат ва фасоҳат маржонини энди кўришга муяссар бўлганларидан энди муддао эшикларини қайси сарпанжа ўз иқтидори билан оча олар экин!? Наъти ва мақташ низомини ким тартибга солар экин!?

Қиёмат кунигача Унга, авлодларига, жамии саҳобаларига Аллоҳнинг саловотлари бўлсин!

Рубоий:

Ё саййид ал-анбиё, имом ал-ҳарамайн,
Муҳтожи шафоатат фариқи сақалайн.
Аз шаръи ту ҳар ки чашм пўшад жуз шарр,
Ҳосил набарад гарчи бувад мардуми айн.
[Ё анбиёлар саййиди, имоми ҳарамайн,
Шафоатингга инсу жин фирқалари муҳтож.
Санинг шариатингдан кимеки кўз юмса,
Кўз қарочиғи бўлса ҳам фақат ёмонлик кўрар].

Рубоий:

Эй сарвари коинот маҳбуби Илоҳ,
Бар хоки дари ту қудсиён суда жиноҳ.
// 24^б Тойиб ки ба журм мўйи худ карда сафед,
Бо рўйи сияҳ ба даргаҳат бурда паноҳ.
[Эй коинот сарвари Аллоҳ маҳбуби,
Сенинг остонангда фаришталар ҳам сурсалар юзин.
Ўз гуноҳлари била сочи оқарган Тойиб ҳам,
Қора юз билан даргаҳингда топар паноҳин].

Аммо баъд, шариат ва миллат (и ислом) мажлисиснинг тўрида ўтирганларнинг қуёшдек мунаввар хотирларидан яширин қолмасинким, бу кунларда Фарғона ва Туркистон хонлари

²³¹⁹ Муҳаммадюнусжон Тоиб. Тарихи Алиқули амирлашкар. Тухфайи Тоиб / факсимиле, табдил, таржимонлар, кириш ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, Д. Чориева. – Тошкент, 2012. – 342 б.

²³²⁰ Қуръони карим, 39:53.

²³²¹ Замзам чашмаси – Маккада Каъба яқинидаги муқаддас булоқ номи.

²³²² Кавсар ҳовузи – жаннатдаги ҳовуз номи.

давлатининг офтоби завол мағрибига ботиб, уларнинг ҳукмронлик куни инқироз ва ихтитом (хотима) тунига айланган. Рус ва насронийлар фирқаси подшоҳининг ноиблари ва ҳокимлари бу мамлакатнинг барча ён-атрофини ҳукмронлик қўллари билан очиб, уни истило қилиб, салтанат гиламига истило ва истибдод оёғларин маҳкам босиб олгач, руслар ва мусулмонлар орасига яқинлик ва аралашув тушди.

Илм ва маърифат чироғидан бебаҳра қолган ва билимдан нақд хазина йиғмаган, риёкорлик юзасидан ибодат қилиб, макр билан ўзларини ораста қилиб, оёқ кийимлари ва жомаларига зеб-зийнат бериб, тишларига мисвок уриб, саллани катта боғлаб юрган жоҳил суфийлардан бир гуруҳи ақлсизлик камолидан, соликларни зуҳд ва тақво йўлидан уриб, ўз калтафаҳмлиқ ва хомхиёлликлари билан рус ва насронийлар яшаётган сарой ва манзилларни, улар учун тўшалган гилам ва тўшакларини, таомларини, идиш-товоқларини, улар қўли теккан ҳар бир нарсани, улар ичган, татиб кўрган ичимлик ва егуликларни нопок ва нажас (ҳаром) деб билиб, // 25^a улар тарафидан мусулмонлар юмушларини саранжомлаш учун қўйилган амалдор ва мансаб эгаларини исломга тўғри келмайди, олинаятган маошлари ҳаром эканини, мусулмонлар турмушини тартибга солиш учун қозилиқ мансабига эга бўлиб, шариат ишлари ва халқуллоҳ ҳожатларини чиқараётганларни, айти шу учун одамлар уларнинг ҳузурларига келишларини кўриб қозиларга ҳақорат ва истихзо кўзи билан қараб, эътибордан тушираётганлари, иккита муҳаррам шаҳар²³²³ ҳамда Истамбулда маъруф ва машҳур бўлган ва бизнинг ўлкада ҳам шуҳрат топаётган олди очик тугмали кўйлақларни бидъат ва фақат насронийларга мос ва мансуб деб билиб, бундай кийим кийганларни маломат ва жазо бериш ўқи остига олаётганлари маълумдир.

Аввом халқ буларнинг сўзларига кириб йўлларини йўқотган бу кимсаларга тақлид қилиб адолат қонунидан чиқиб тангу тор муҳолифат майдонига кириб, муомала саманд отини лангу мажруҳ қилдилар. Натижада қаноти синган бу банда Шош(Тошканд)да туғилган, Фарғона (Қўқон)ни яшаш учун танлаган Муҳаммад Юнус ибн Муҳаммад Аминким, «Тойиб» таҳаллусдаман иззат, икром ва буюклик боғининг нури, // 25^b бахт ва саодат бўстониинг самарсаси Мулло Шермуҳаммад мирзо²³²⁴ ким у фалак, давлат ва бахтиёрлик кутби бўлмиш амири кабири саид абу-л-фатҳ амир Мулло Алиқули²³²⁵ шаҳид, меҳрибон ва кечирувчи Аллоҳнинг чексиз раҳмати унга бўлсин, садоқатли ўғлининг илтимоси биланким, мен унинг дурахшон қуёши заррасидан ва кенг марҳамат денгизи томчиларидан фахрланиб баҳараманд бўлган эдим камбизоатлик, заифлик ва тоқатим тоқлигидан «ким етмишдан ошар экан фақат дардмандликдан шикоят қилур» деганларидек, умр ва ҳаёт йўлим етмиш учга етиши билан ёзмоқ ва ижод қилмоқ мушкул бўлиб (харакатларим ҳавога кетмоқда). Бироқ шу илтимосга биноан, мусулмонларни қизиқтираётган масалаларни шу мақомга лойиқ ёритиш учун муътабар китобларда кўрганимни ва шу маромга муносиб келиш учун ишонарли саҳифалардан териб олиб, фоидалар келтирсин деб равон форсий иборалар билан хосу омга нафи тексин дея таҳрир ипига тортдим ва уни «Тухфайи Тойибий», деб номладим.

Арз қилгумким, уни кўрган кишининг ғафлат пешонасига ажин тушмасин, бировнинг қошлари диққатсизликдан қовушмасин, одатдагидек бирор бир хато, камчилик ва халал содир бўлган бўлса, ўткир зеҳнлиларга кечирим ва авф кўзи билан қараш // 26^a насиб этсин!

Назм:

Ҳарзаи Мажнун ҳам аз қонуни ибрат шўъбаест,
Гўш бикшо савти хориж пардаи таъсир нест.
Зарра то хуршед дар ин раҳ чароғи оғаҳист,
Аят бисёр аст лекин фурсати тафсир нест.
[Мажнуннинг беҳуда сўзлари ҳам ибрат қонунининг бир шўъбаси,
Қулоқ сол бегона товуш ҳам таъсир пардасидан холи эмас.
Қуёш чиққунча бу йўлда бир зарра ҳам оғаҳлик чироғидир,
Оятлар кўп, бироқ тафсири учун фурсат йўқ].

Ҳар бир ишнинг бошлашида ва тугашида тавфиқ ва иноят Аллоҳдандир. Бу «Тухфа» китоб учта боб ва бир хотимадан иборат.

Назм:

Лутфи Ҳаққ онжо ки гардад дастгири ожизон,
Жунбиши мижгон ҳам имдоди асое мекунад.
Мўр агар аз хирмани фазлаш рабояд донае,
Дар сафи шерон шукўҳи аждаҳое мекунад.

²³²³ Икки муҳаррам шаҳар – Мака ва Мадина (Саудия Арабистонда жойлашган).

²³²⁴ Шермуҳаммад мирзо Қўқон амирлашқари Алиқулининг ўғлидир.

²³²⁵ Алиқули амирлашқар (1830-1865) – Қўқон хонлигининг давлат, сиёсий ва ҳарбий арбоби. Тошкент мудофаасида ҳалок бўлган.

[Аллоҳ лутфи ожизларни қўлласа агар,
Киприкнинг бир уриши ҳассадек мадад берар.
Чумоли унинг фазли хирмонидан бир дон олса,
Шерлар сафида у аждардек керилар].

Биринчи боби аҳли китоб таомларининг мусулмонларга ҳалол ёки ҳаромлиги ва уларнинг қолдиқ (суър)ларининг ҳукми, мусулмонлар билан аралашиб улар билан муомала қилишларининг ҳукми ҳақида.

Билгинки, шариат ва суннати Муҳаммадиянинг биноси тўртта аркондан иборатдир.

Муқаллид(тақлид қилгувчи)га фуқаҳоларнинг хилофича бир қадам қўйиб ёки бир оғиз хилоф сўз айтиш билан оят ва ҳадисдан ҳужжат келтиришга йўл йўқдир. // 26^б Зероки, муқаллиднинг далили мужтаҳиднинг сўзидир. Ислом уламоларидан бирлари ўзларининг «Шарҳи тариқайи Муҳаммадия» китобидаги иккинчи бўлимида қуйидагиларни айтади:

«Дарҳақиқат, муқаллиднинг далиллари фақатгина мужтаҳиднинг сўзидан иборатдир. Шунинг учун ҳам фуқаҳолар сўзлари билан оят-ҳадис ўртасида қарама-қаршилик юзага келса, фуқаҳоларнинг сўзлари олдинга қўйилади. Зеро, масаланинг асл моҳиятини мужтаҳид билади. Шоядқи, ушбу оят қарама-қарши келган бўлиши ёки хосланган бўлиши ёки таъвил қилинган бўлиши ёки бекор бўлган (наسخ) бўлишини мужтаҳид билгану, сен билмагансан.

«Офат ул-айн» китобида қуйидагича айтилган:

«Бизнинг наздимизда ҳадис билан фуқаҳоларнинг гаплари орасида зиддият келиб чиқса, бу ҳолатда йўл тутадиган қоидамиз фуқаҳоларнинг қавлини илдам сурамиз. Зероки ўша ҳадис бошқа маънога таъвил қилинган бўлиши мумкин, бошқа бир ҳукмга хосланган бўлиши мумкин, ўзидан бошқа ҳадисга қарама-қарши келган бўлиши мумкин, ўша ҳадис насх бўлган бўлиши мумкин ёки бу ҳадис қайдланган бўлиши мумкин. Буларни билиш фикр илмига боғлиқ ўзга нарса эмас, яна Аллоҳ билгувчидир!

Энди муқаллидларнинг қиладиган зуҳдлари, тоат-ибодатлари, тақволари ва ибодатлардаги бардавонликлари шариат ва суннатга мувофиқ бўлса, фуқаҳоларнинг қавллари ва фатволарига зид бўлмаса бу ҳидоят ва некбахтликнинг самараси бўлади. // 27^а Аммо хилоф, зид бўладиган бўлса уларнинг зуҳдлари шубҳасиз бадбахт ва залолат йўлини лозим тутганлардан бўладилар.

Мазҳаб имомлари раҳимаҳумуллоҳлар ўзларининг мусаннифотлари, матн китоблари ва шарҳ китобларида «Ҳидоя»²³²⁶, «Ниқоя»²³²⁷, «Мултақит»²³²⁸, «Канз»²³²⁹, «Дурар (ал-)ғурар»²³³⁰, «Дурр ул-мухтор»²³³¹ ва бундан бошқа китобларида Аллоҳ таолонинг: «Аҳли китобларнинг таомлари сизларга ҳалолдир» сўзининг мутлақлигини эътиборга олиб насроний ва аҳли китобларнинг сўйганларининг ҳалол эканлигини ўз китобларида ёзишган. Ва баъзи фуқаҳолар очиқдан-очиқ айтишганки: агар насроний бўлган киши Исо Масих²³³²ни илоҳ деб эътиқод қилса ва аҳли китобдан бўлган киши Узайрнинг илоҳлигига эътиқод қилишса ҳам уларнинг сўйган ҳайвонлари ҳалолдир. Ва «Дурр ул-мухтор» китоби соҳиби «Никоҳ» китобида қуйидагиларни айтади: «Аҳли китобдан бўлган аёл агар ўзларига юборилган набийга иймон келтирувчи, китобини иқрор қилгувчи бўлса, унга никоҳланиш жоиздир, гарчи макруҳи танзиҳий бўлса ва Исо Масихни илоҳ деб эътиқод қиладиган бўлса ҳам жоиздир ва яна уларнинг сўйгани ҳам ҳалолдир.

(Ҳанафий мазҳабига кўра) мутааххирларнинг афзали Ибн Обидин²³³³ ўзларининг «Забоиҳ» китобларида келтирилишича: Насронийларнинг қаторига фарангликлар (европоликлар) ҳам, арманлар ҳам киради. «Ҳомидия» китобида ва Соихоний²³³⁴ деган киши: Яҳудийнинг Бани

²³²⁶ Ҳидоя – Бурҳонуддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний ар-Риштоний (ваф. 1197)нинг асари номи.

²³²⁷ Ниқоя – тўлиқ номи “Ан-Ниқоя мухтасар ал-виқоя”. Муаллифи Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож-уш Шариа бўлиб, у 1300 йили ҳали тирик эди.

²³²⁸ Мултақит (Носирий) – муаллифи Носируддин Абулқосим Муҳаммад ибн Юсуф ал-Хусейни аСамарқандий ал- Мадиний (ваф. 1161)

²³²⁹ Канз – тўлиқ номи “канз ад-дақойиқ фи-л-фуруъ”. Муаллифи Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий (ваф. 1310).

²³³⁰ Дурар ал-ғурар – Шайх имом Абу-л-Ҳасан Али ибн Халил Ал-Қози ал-Ҳанафий

²³³¹ Дурр ул-мухтор – тўлиқ номи “Дурр ал-мухтор фи танвир ал-абсор”. Муаллифи Алоуддин Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдурахмон ад-Димашқий ал- Хаскафий ал-Ҳанафий Алоуддин (ваф. 1677).

²³³² Исо Масих – исломда Аллоҳга яқин бўлган (муқаррибун)лардан (3:45/40). Ал-Масих, Ибн Марйам, Абд Аллоҳ, Расулаллоҳ, Солиҳ, Калимуллоҳ, Қавл ал-Ҳаққ номлари билан ҳам Қуръони каримда тилга олинади. Исломда энг катта эътиборга лойиқ бўлган пайғамбарлардан.

²³³³ Ибн Обидин – Мавлоно Муҳаммадамин. Асари “Радд ал-мухтор”ни 1260/ 1844-45 ёзган.

²³³⁴ Соихоний – Шайх Иброҳим ал-Ғозий ас-Соихоний. Дамашқда амин ал-фатво бўлган олим ва фақиҳ.Аллома Сулаймон ал-Мансурийнинг шогирди.

Исроилдан бўлиши, Насроний эса Исони илоҳ деб эътиқод қилмаслиги шарт қилинадими, деган саволга «Ҳидоя» ва ундан бошқа китобларнинг мутлоқлиги тақозосига кўра шарт эмас, деб айтилади.

Жадд исроилийларда шунга фатво берган. «Мустасфий» китоби²³³⁵ да // 27^б насронийларнинг никоҳи ҳалол бўлиши учун Исони илоҳ деб эътиқод қилмаслиги шарт қилинди.

«Мабсут»²³³⁶ китобида аҳли китоблар агар Исони илоҳ, Узайрни илоҳ деб билишса, уларнинг сўйган нарсаларини емаслик келтирилган. Аммо Шамс ул-аиммининг «Мабсут»ларида насронийларнинг сўйган ҳайвонларини мутлоқ ейишликни ҳалол санаган, Исо уч илоҳнинг бирими ёки йўқми деган эътиқоднинг аҳамияти йўқ.

Далиллар тақозо қилган нарсага кўра эса, Темиртоший²³³⁷ ўзларининг фатвосида келтирганидек, уларнинг сўйганларини емаслик ва хотинларига уйланмаслик афзалдир. Магар зарурат учун бўлса майли.

Шунингдек, Камол ибн Ҳумом²³³⁸ ҳам таҳқиқ қилган «Меърожу-д-дироя» китоби²³³⁹ да насронийларга қўйилган шартлар умумий ривоятларга хилофдир, дейилган.

Иккала «Мабсут»да келтирилган юқоридаги қавл, Шайхзода²³⁴⁰ «Мажмаъ ул-анҳор»да, Ибн Обидин «Радд ул-мухтор» хошиясида, Шурунбиллоий²³⁴¹ «Дурар ал-ғулар»²³⁴² нинг шарҳида, «Аҳком ул-аҳком»нинг шарҳи «Мақосид»да муаллифлар келтирганларки, китобиянинг, ўзининг китоби билан иқроқ қилинган пайғамбарига иймон келтирган соиба аёлнинг никоҳи дуруст. Аммо китобиянинг никоҳининг дурустлиги Қуръон ояти билан дурустдир. «Моида» сураси бешинчи оят:

«Сизлардан олдин Китоб берилганлардан бўлган муҳсина аёлларнинг никоҳи сизларга ҳалолдир».

Бу оятнинг жумлаларидан аҳли китоб аёлларининг никоҳи (мусулмон киши учун) ҳалол эканлиги аён бўлади.

Ибн Умар (р.а.) «Муҳсанат» сўзини муаллима (мусулмон аёл) деб тафсир қилганлар. Шу сабабли улар Масиҳни ва Узайрни илоҳ деб билиб, ибодат қилганликлари учун мушрика ҳисобланадилар. Ваҳоланки, мушрикаларга уйланиш ҳалол эмас.

Бизнинг далилимиз: юқорида тиловат қилинган оят, мушрика аёл аҳли // 28^а китоб аёлларидан эмаслиги, «ал-муҳсанат» деган лафзни биз «афифа», яъни зинодан пок бўлган аёл, деб тафсир қилганмиз.

Ҳар бир кишики, самовий динга эътиқод қилади, ўша динга эса Иброҳим, Шис, Довуд (а.с.)ларга тушган саҳифа ва китоби бўладиган бўлса, у аҳли китоб ва миллат ҳисобланади. Миллат мурод диндорлиги бўлиб, тўғри эътиқод қилса уни ботил эканига қарор қилинмайди, уларга уйланиш, сўйганларини ейиш жоиз бўлади.

Сир эмаски бу ерда аёлни ифбатли бўлишлиги шарт эмас, балки, одатга кўра қайд қилинган. «Фатовойи Ҳиндия»²³⁴³ муаллифи айтадилар: «Яҳудий ва насронийларнинг таомларини ейишнинг зарари йўқ. Сўйганлари бўлсин ёки бошқа таом, фарқи йўқ». Мана шу жавобнинг ўзида насроний ва яҳудийлар аҳли ҳарб (мусулмонларга қарши уруш эълон қилган давлат фуқароси) ёки аҳли ҳарб бўлмаган, яна Бани Исроилдан бўлган яҳудий ва насронийлар ёки Бани Исроилдан бошқа бўлган араб яҳудий ва насронийларнинг ҳукми тенг бўлади. Яна эътибордан четда қолмасинки, бу масаладаги ихтилоф, асосан сўйиш ва поклашликка муҳтож бўладиган таомлар устида кетаяпти. Аммо сўйиш ва поклашга муҳтож бўлмайдиган таомларда ҳам ҳукм бир хилдир. «Дурар ғулар» китобида келтирилишича, покланиш аҳли китобларнинг амалига боғлиқ бўлган таомлардир. Зероки, аҳли

²³³⁵ “Мустасфий” китоби – яъни “Мустасфий шарҳи фикҳ ан-нофиъ” китоби. Муаллифи Ҳофизуддин Абулбаракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий (ваф. 1310).

²³³⁶ Мабсут – яъни “Китоб ал-мабсут фи фуруъ ал-фикҳ”. Асар Муаллифи Шамс аимма Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл аСарахсий ал-Ҳанафий (ваф. 1090)дир.

²³³⁷ Темиртоший – Ғазонинг машҳур шайх ул-сломи Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ут-темуртоший (ваф. 1595) назарда тутилмоқда.

²³³⁸ Камол ибн Ҳумом – “Фатҳ ал-қодир/қадир ли-л-ожиз ал-фақир” асарининг муаллифи. Асар 1426 йили Камолуддин Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Абдулҳамид ибн Масъуд ибн Ҳумом ас-Сиваси ал-Искандарий ал-Ҳанафий (ваф. 1457) томонидан ёзилган.

²³³⁹ “Меърожу-д-дироя”(фий шарҳи-л-ҳидоя) китобининг муаллифи Қавомуддин ал-Кокий номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хаббозийдир (ваф. 1348).

²³⁴⁰ Шайхзода – Муҳйиддин Муҳаммад ибн Мустафо ал-Муҳашший (ваф.755/1354-55) “Шарҳ ал-мифтоҳ” асарининг муаллифи.

²³⁴¹ Шурунбиллоий – Абулихлос Ҳасан бин Аммор ибн Али ибн Юсуф ал-Мисрий аш-Шурунбиллоий (ваф. 1096/1684-1685). Уни яна “Нур ал-Иллоҳ ва шарҳ имдод ал-фаттоҳ” номли асари ҳам бор.

²³⁴² Абулҳасан ибн Халил ал-Қозийнинг асари.

²³⁴³ Фатовойи Ҳиндия – аслида “Фатово Қори ал-Ҳилоя”, муаллифи ас-Сирож Умар ибн Исҳоқ ал-Ғазнавий ал-Ҳиндий ал-Ҳанафий (ваф. 773/1371 72).

китоблар шу нарсага хослаб зикр қилинган. Лекин покляниши аҳли китобларнинг амалга боғлиқ бўлмаган таомларда мажусий, аҳли китоб тенгдир! Балиқ ва ундан бошқа нарсаларга ўхшаш.

Сўлак масаласига келсак, унда мўмин ҳам, кофир ҳам, жунуб ҳам, тоҳир ҳам эркагу аёл ҳам, каттаю-кичик // 28^б ҳам бутун уммат уламолари иттифоқи билан покдир. Узун мўйловли кишининг сўлаги, агар ароқ ичса, тезда оғзини уч марта ювмасдан, ўша ароқ асари қолган сўлаги ва тупуги билан бирон нарсани еса ёки яласа, ўшандан қолган қолдиқ ароққа теккани сабабли нопок бўлади, зеро, ароқ нажосатларнинг энг оғиридир.

Аммо буларнинг идиш ва товоқлари хусусида Имом Ғаззолий ўзларининг «Кимёи саодат» китобида келтирилганки, Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи вассалам бир мушрикнинг идишидан ва амир ул-муъминин бўлган Умар (р.а) бир насрониянинг кўзаларидан таҳорат қилдилар. Лекин ҳозирги замонда риё ва васвасага гирифтор бўлганлар, ҳаттоки ўзларининг ибодатларида эҳтиётни жойига келтириб, парҳезкорлик қилиб, тақволарини жойига келтириш учун ёмғир сувини ерга тушиб тупроққа аралашмаган, ҳеч кимнинг қўли тегмаган идишга ёмғир суви олиб, таҳорат қилишликни парҳезкорлик деганлар.

Шеър:

[Таҳоратда доим васвасадур иши,
Қилур ани кўп сув ишлатувчи киши.
Зикналикдан денгизлар ҳам кичик эди,
Дажлани ҳам ичиш учун етмас дейди].

Аҳли китоб ва зиммийларни мусулмонларнинг ибодатхоналарига ва масжидга кириш масаласида;

Имом Молик²³⁴⁴ // 29^а: - «барча масжидга киришларини макруҳ»-дедилар.

Имом Шофий²³⁴⁵, Имом Аҳмад²³⁴⁶ ва Имом Муҳаммад²³⁴⁷; «Фақат масжиди» ҳаромга киришлари макруҳ. Бундан бошқа масжидларга жоиз», - дейишди.

Имом Абу Ҳанифа: Ҳамма масжидга киришлари жоиз ҳатто масжиди-ҳаромга ҳам», - дедилар.

«Ҳидоя» китобида аҳли зиммий ва аҳли китобнинг масжиди ҳаромга киришларини зарари йўқ, имом Шофий наздида макруҳ ва имом Молик ҳамма масжидга киришлари макруҳ дедилар. Имом Шофий ҳазратларини далиллари: «Тавба» сурасидаги 28-оят: «Эй, иймон келтирганлар! Албатта, мушриклар нажасдирлар, бунга шубҳа йўқ, бу йилларидан кейин масжиди ҳаромга яқин келмасинлар».

Яна далил қилиб шуни айтадиларки, «Кофирлар жанобатдан холи бўлмайдилар. Жунуб бўлишса, жунубликларини кетказиш учун ювинмайдилар. Жунуб кишини масжидга кириши таъқиқланган, ундан узоқлашиши таъкидланган».

Имом Молик ҳам шуни ҳужжат келтирадилар. Аммо оятдаги «нажас» деган сўздан омм (йил)ни эътибор қилиб барча масжидга киришларини макруҳ санайдилар.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳни далиллари: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам Бани Сақиф²³⁴⁸ элчиларини ўзларининг муборак масжидларига тушириб шу ерда қабул қилиб олганлар. Ваҳоланки Бани сақифликлар кофирлар эдилар. Зероки нажосатлик уларнинг эътиқодларидадир, уларнинг масжидга киришлари масжидни нажосат қилмайди.

Аммо оятдаги мушрикларнинг масжидга яқинлашмасликларини Имом Аъзам мушриклар масжидни ҳаромга бостириб киришлари ва зўравонлик билан киришларига ҳамл қилишган. Яна улар жоҳилият даврларида байтуллоҳни яланғоч тавфоф қилиб одатланганлари сабаб мана шундай яланғоч кирмасликларига ҳамл, яъни оятни маъноси шунга далолат қилишни таъкидлашган. «Дурр ул-мухтор» китоби соҳиби айтади: «Биз оятдаги «наҳийни таквийний» (мушрикларнинг яратилишига эътиборан олинган, чунки аслида нажасдан пайдо қилинган) деганмиз, таклифий (бу эса мухаллафлик тарафидан эътиборан, яъни мусулмон кишини жунуб ҳолида ғусл қилмагунча масжидга кириш манъ қилинади) эмас. Чунки йўловчи жунублик ҳолида масжиддан ўтиб келса жоиздир. // 29^б Шу ҳолатда биз оятдаги маънони кофирлар мана бу йилдан 9-ҳижрий йилдан кейин ҳажларини ва умраларини яланғоч ҳолларида қилишмасин».

²³⁴⁴ Имом Молик – Млик ибн Анас ал-Асбаҳий (713-795). Моликийя мазҳабининг асосчиси.

²³⁴⁵ Имом Шофий – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис (767-820). Шофийя мазҳаби асосчиси.

²³⁴⁶ Имом Аҳмад – Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал (780-855). Ҳанбалия мазҳаби асосчиси.

²³⁴⁷ Имом Муҳаммад – Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний? ал-имом ал-комил Абу Ҳанифа шогирди. 189/832-805 вафот этган.

²³⁴⁸ Бани Сақиф – араб қабиласи номи.

Насронийларни касалларини бориб кўриш, улардан сўраб суриштириш жоиздир, бу ижмоан жоиз бўлган. Уларга нисбатан касалларини бориб кўриш яхши ва чиройли ишлардандир. Бир уларга яхшилиқ қилиш борасида қайтармаганмиз. Зероки Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи вассаллам ён кўшнилари яҳудий кишини касал бўлганида ундан хабар олишга буюрган эдилар.

«Хидоя» китобида яҳудий ва насронийларни касалларини кўриш, ҳолидан хабардор бўлиш жоиздир улар ҳақида. Биз бундан қайтармаганмиз. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи вассалам ён кўшнилари бўлган бир яҳудийнинг касал ҳолатида бориб кўрганлари ҳаммага маълум.

Шу нарсалар жумласига киради, уларнинг ўликларига таъзия билдириш ҳам. Ибн Обидин «Наводир» китобидан «Хатар ва Ибоҳа» бобида келтиргани каби.

Яна ҳақ учун (ижара ҳақи учун) уларнинг ароқларини кўтариб юриш, чўчкаларини боқиб бериш ва канисаларини қуриб бериш шу жумлага киради. Бу дурустдир.

Бу нарсалар фақат имом Аъзам раҳимаҳуллоҳ наздларида Имом Абу Юсуф²³⁴⁹ ва Имом Муҳаммадлар наздида макруҳ бўлади. Зероки буларни кўтариш маъсиятга ёрдам беришга киради. Қандайки Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ йўллар билан келганки, ўн кишини хамр (ароқ) масаласида лаънатлаганлар ана шулар жумласига хамр кўтарувчи ҳам киради.

Аmmo Имом Аъзам айтадиларки, ароқ ичишдаги гуноҳ ароқ ичувчи кишининг ичиши эътиборига гуноҳкор деб олинади. // 30^a Лекин бу ароқни кўтарди энди ичади, деган заруратни келтириб чиқармайди. Шунинг учун ҳам ароқни сирка тайёрлаш учун ёки олиб бориб тўсиши учун кўтараверсин дейдилар. Ўн киши лаънатланган ҳадиси тахтига кирмаслигини сабаби кўтариши аниқ бир гуноҳга яқин бўлмагани учун, яъни ўша хамрни маъсият учун аниқ ишлатилиши бўлмагани учун агар аниқ бўлса ўшанда ҳадис тахтига киради.

«Хидоя»да бир киши зиммий учун ароқ кўтарса ва шу иши учун ҳақ олса Абу Ҳанифа наздларида ҳаққи ҳалол бўлади. Абу Юсуф ва Муҳаммадлар наздларида макруҳ бўлади. Зероки маъсиятга ёрдам берган бўлади. Ваҳоланки Пайғамбар алайҳиссаломдан хамрда ўн кишини лаънатлагани ўшалар жумласида (кўтарувчиси ва унга олиб борилган киши)ни ҳам киради деган ҳадиси саҳиҳ бор.

Имом Абу Ҳанифа юқорида айтилганидек ичишликдаги гуноҳ ичувчи кишининг ичгандан кейинги ҳолати киради. Уни кўтарди дегани ичди дегани эмас, деб эътибор қилганлар ва уни кўтараётгани заҳоти ҳам маъсият қиламан ёки маъсият учун кўтараман ҳам деб қасд қилмайди.

Ҳадис эса маъсияти аниқ бўлган кўтаришга ҳамл (амал) қилинган. «Радд ул-мухтор»да ҳам шуни таъкидлаб ароқни кўтариш уни олиб бориб тўкиш учун ҳам ёки сирка тайёрлаш учун ҳам кўтариладику, деб қўллаб-қувватлайди. Бу нарса яна худди узумни сиқиш учун ёки узумни узиш учун ишга олинган кишига ўхшайди. Зуъайлий айтадилар шу ихтилофли масалага кўра яна агар бир киши бир уловни ароқ ташиш учун ишга олса ёки ўзи чўчка боқиш учун ишласа Абу Ҳанифа наздларида дуруст, Имом Абу Юсуф ва Муҳаммадлар наздида макруҳ бўлади. «Фатвойи Қозихон»да агар бир мусулмон киши канисага ишлашга кирса ёки уни таъмирласа, ҳечқиси йўқ, зероки, мана шу амалнинг айни ўзида гуноҳ, маъсият йўқ «Дурр ул-мухтор»да канисаларни таъмирлаш жоиз, дейилган.

Аҳли зимма билан саломлашиш биринчи салом бериш ҳожатсиз макруҳдир. Лекин уларга салом қайтариш ва қисқартириб «Ва ғалайка» деб айтиш лозим. Агар эҳтиёж // 30^b сезса биринчи бошлаб салом берса зарари йўқ «Қозихон»²³⁵⁰ ва «Аш-Шурунбиллоли» китобларида ҳам шундай келган. Зоҳидликни даъво қилувчилар гумон қилиб ўйлагандек нон ва гўштни пичоқ билан кесишда ҳам ҳеч қандай макруҳлик йўқ.

«Радд ул-мухтор»да шайхимиз Исмоил Шайх Ал-Жароҳий машҳур ҳадисларда: «Ажамлар (араб бўлмаган халқ) кесадигандек сизлар ҳам нон ва гўштни пичоқ билан кесманглар, балки олд тишлар билан тишлаб олинглар», - деб келтиради.

Имом Сағоний бу ҳадис мавзу (тўқима) ҳадис мавзу ҳадисга амал қилиш жоиз эмас. «Мужтабо» китобида нон ва гўштни пичоқ билан кесишда макруҳлик йўқ деб келтирилган.

«Таълик». яъни кими бўйнига мисдан бўлган ёки ёғочдан бўлган бир нишонки осишда ҳам ҳеч гап йўқ. Буни насронийлар мансаб ёки лавозим учун беришади. «Хулоса»да ҳам шундай зикр қилинган.

²³⁴⁹ Имом Абу Юсуф – Йаъқуб ибн Иброҳим ибн Ҳабиб, Саъд ибн Ҳабб ал Ансорий авлодидан. 182/ 798 йили раб ал-аввал ойида Бағдодда вафот этган.

²³⁵⁰ Қозихон – Фаҳруддин Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд ал-Узжандий ал-Фарғоний (ваф. 1196), “Фатовийи Қозихон” асарининг муаллифи.

«Баззозия»²³⁵¹ китобида «Боиза» масаласида, яъни (мансаб, лавозими)ни бу асосан султонлик лавозимини намоён қилувчи устида ёзилган тахтача бўлади, бу подшоҳлик нишони бўлиб, динга ҳеч тааллуқли жойи йўқ бўлган ёғоч, кумуш каби нарсалардан ясалади бу ҳам дуруст, зарари йўқ. Аммо мажусийларнинг бошга киядиган бош кийимлари ва (зуннор) белбоғни тақиш дуруст эмас, сабаби куфр аломати ҳисобланади. Имом Алоуддин ал-Ҳанафий²³⁵² ўзларининг «Муайян ул-ҳуккам» китобларида: савод, сароғиж ва боизаларни осийш кофирликни келтириб чиқармайди», деб ёзадилар. Бу имом Зуфар ва Яъқубларнинг ихтилофли масалаларидан бўлиб, буларнинг ҳаммаси «савд», сароғич ва боизадир, булар ҳаммаси кичкина бир тахтача бўлиб унда бир мулкчилик мансабдор шахслар учун нишон қилиб, баъзи инсонлар тоифасига берилади. Буни ҳеч қандай динга тааллуқли жойи йўқ.

Аммо ислом қозилари ва бошлиқларига келсак «Радд ул-мухтор»да агар мусулмонлар устига кофир кишини валий қилиб тайинлашса ва мусулмонлар унинг валийлигига розилик билдиришса жоиз бўлади шубҳасиз, дйилган. «Фусул ул-имодий» китобида ҳар бир ишнинг тасарруфида мусулмонлар тарафидан бўлган мусулмон вали // 31^а у билан ўша кофир ислом ҳукмларини жумъа намозлари, икки ийд намозлари, хирож (солик) йиғиш, қозилик ишлари, ёш қизларини эрга бериш каби ишларида мусулмон киши бош бўлгандагина жоиз бўлади. Аммо куфрга тоат қилиш бу ёлғончилик, алдоқчилик бўлади. Аммо бир шахар борки, унда кофирлар валийдир. Мусулмонлар жумъа намозлари ва икки ийдларини нишонлайдилар унда мусулмонларнинг розилиги билан қози, қози бўла олади.

Шунда ҳам мусулмонларга мусулмон валий қидиришлари вожиб бўлади. «Дурр ул-мухтор»да ҳам «Жамъ ул-фусулийн»дан нақл қилиб келтириладики, жумъа бобида «Тасхих ил-Қудурий»да келадики: «Қозий билан амирдан (кифоя) беҳожат бўлса бўлади».

«Дурр ул-мухтор»да келтирилган сўзни: «Ҳар бир жойданки, унда амир ҳам қози ҳам бор бўлиб ҳудудларни қоим қила оладиган бўлса», деган бу жумладаги амир ва қози деган сўзларни биттасини қози деган сўзни тагига ёзишди ва шуни муфрад (бирлик) замир қайтадиган лафз эканлигини ва яна шарият ҳудудларини фақатгина қози қоим қилинишини ва унинг вазифаси эканлигини эътиборга олдилар, «Ҳидоя» китобига эргашган ҳолда. Бу ишлар амирни вазифаси бўлмагани учун ҳам.

Аммо «Пироҳан» (олди очик кўйлак) пеш чок кўйлакка келсак муҳаддислар Саййид Жамолиддин²³⁵³ «Равзат ул-Аҳбоб»да, Мулло Али ал-Қори²³⁵⁴ ва Мавлавий Абдулҳақ²³⁵⁵ «Шарҳи Мишкот» китобида очик айтишганки, Пайғамбаримиз салаллоҳу алайҳи ва салламнинг парохинлари олди очик, тугмали, бўйин-ёқаларидан то кўкраклари устигача узунасига очик эди. Қандайки, ҳозир ҳам шу одат ҳам бор. Энди кимки бу нарсдан хабари бўлмаса ва бундай кийим кийишни // 31^б бидъат деса у ўйлагандек гумон қилгандек эмас. Яна шу хусусда «Мирқот» китобида Муъовия ибн Қурранинг ҳадиси шарҳида келади: «Муъовия отасидан ривоят қилиб айтади у (отаси айтади) «Музайяна қабиласидан бўлган бир жамоа билан Расулulloҳ алайҳиссаломнинг ҳузурларига байъат бериш учун кирдик. Мазкур жамоа байъат беришди. Расулulloҳ салаллоҳу алайҳи ва салламнинг тугмалари очик эди. Мен эса кўлимни кўйлақларининг ёқасидан тикиб нубувват хотами (белги)ларини ушладим». Буни Абу Довуд ривоят қилганлар.

Ибн Ҳожар²³⁵⁶ Исломга эргашган ҳолда айтадиларки, бу ҳадисдан парохан кўйлагини кийишнинг ҳалоллигини, кўйлакда тугма бўлишнинг ҳалоллигини ва тугма ва ёқаларнинг очишнинг ҳалоллигини ва тугма ва ёқаларнинг очишнинг ҳалоллигини оламиз. Зероки Пайғамбар алайҳиссаломнинг тугмалари одатда очик бўларди.

²³⁵¹ Баззозия – Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Баззоз “Фатовийи Баззозия” асари; муҳаддис ва фақих. Имом Абу Ҳанифа шогирдларидан.

²³⁵² Имом Алоуддин ал-Ҳанафий – Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдурахмон ад-Димашқи ал-Хаскафи ал-Ҳанафий Алоуддин (ваф. 1677) назарда тутилган

²³⁵³ Саййид Жамолиддин – Жамол ал-Хусайний номи билан машҳур бўлган Атоуллоҳ ибн Фазлуллоҳ назарда тутилган. Уни асарининг тўлиқ номи “Равзат ул-аҳбоб фий сийар ан-набий ва-л-Ол вл-асҳоб”дир. Асарни муаллиф 1494 йили Алишер Навоийга тақдим этгани маълум.

²³⁵⁴ Мулло Али қори ал-Ҳаравий, яъни Али бин Султон Муҳаммад ал-Қори (ваф. 1014/1605-06).

²³⁵⁵ Мавлавий Абдулҳаққ ибн Сайфиддин ад-Дехлавийнинг “Ашиъат ламаот фий шарҳи-л-Мишкот” асари кўзда тутилган. Шорех 1642 йили вафот этгани маълум.

²³⁵⁶ Ибн Ҳожар – Ибн Ҳожар ал-Асқалоний (ваф. 1348).

Имом Суютий²³⁵⁷ бу ҳадис ҳақида ҳақиқатдан ҳам Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи вассаламнинг кўйлақларини ёқаси одатда очик турарди қандайки, бу нарса ҳозир ҳам одатга айланган, деган. Энди буни илмсиз киши бидъат деб гумон қилганлар уларнинг гумонидек эмас.

«Равзат ул-Аҳбоб»да Пайғамбар алайҳиссаломнинг кўйлақларини тугмалари тақилган бўларди. Лекин кўпинча намозда ва бошқа ўринларда очиб юрардилар, дейилган.

Мавлавий Абдулҳаққ «Рисолаи либос» ва «Шарҳи Мишкот» китобида шу маънода ёзадиларки, кийим кийишда эркалар ва аёллар кийими ўша Пайғамбар юрган даврга хос дейишади (нодонлар), лекин қаерга таъна қилишади ва кимларга маломат тошларини отишади билмайман деб айтадилар.

// 32^a Яна бу замон ва даврнинг жоҳиллигиданки қозилар ортидан жаноза намози жоиз эмас деган нотўғри эътиқодда юрадилар. Сабаби қилиб маййит васият қилганки, бир тасаввурдаги киши ёки бир зоҳид киши ўқисин деб баҳона қилишади. Ваҳоланки фикҳи китобларнинг матнларида ва шарҳларида имоматликка ҳақли киши деб жаноза намозини аввал султон ўқиб беради. У бўлмаса ноиби ёки шаҳар амири бу иккаласи бўлмаса қози ўтади, булар ҳам бўлмаса маҳалла имоми ўтади деб айтилган.

«Ниқоя» китоби шарҳида Қаҳистоний мана шу тартибнинг вожиб эканлигига ишора қилиб ўтганлар.

«Фурур» китоби мусаннифи ҳам шу ўринда айтадики, имомга ҳақли киши султон ёки ноиби, кейин қози ундан кейин маҳалла имоми ва охири маййит эгаси, яъни вали ҳақлидир. Агар вали бошқа кишига изн берса зарари йўқ. Аммо бошқа киши валининг изнисиз ўқиб қўйса вали хоҳласа жаноза намозини қайтариб ўқийди, чунки бошқа киши бунинг ҳаққини тасарруф қилган бўлади.

«Лисон ал-ҳуқкам»да аллома Ибн Шаҳна айтадиларки, бир киши васият қилсаки, фалон киши жаноза намозини ўқисин, васияти ботил бўлади. Бу саҳиҳ гап, «Шурунбиллоий» ҳам жаноза намози имоми ҳақидаги васиятни ботил санаб шунга фатво берган.

Энди мулоҳаза қилишсин бу ишда келган бутун матнлар мазҳабдаги зоҳир нарсадир. Бунга хилоф чиқиш қандай бўлади. Иккинчидан беш вақт намоз фарзи айн ҳисобланади ва намозхон бу иймоннинг мажалласи, яъни иймонли киши эканлиги аниқ кўриниб турган нарса бўлса яна «ҳар бир яхши киши ва фожир кишилар орқасидан намоз ўқинлар» деган ҳукм бўлса, булар орқасидан намоз ўқиш жоиз ва аҳли сунна ва-л-жамоани аломатларидан бўлса, жаноза намози ўзи фарзи кифоя бўлса яна бу намозда қозиларнинг ўтмиши ножоиз саналиши бу намозда буларнинг ҳаммаси аҳли сунна ва-л-жамоа // 32^b доирасидан ташқари чиқиш ҳисобланади.

Шу билан бирга яна қозилар жаноза намозини қайтаришни хоҳлашса шариат бўйича қайтарилади қачон ва қандай хоҳлашса агар улар амр қилишмаган бўлишса ўқишига ва ёки иқтидо қилишмаган бўлишса.

Энди аҳли китоб ва зимма таомлари, гиламлари, идишлари масаласидаги ҳалол ва ҳаромлиги ҳақида мужтаҳидларнинг гаплари қисқа ва лўнда маълум бўлиб бўлган. Бу шунақа вақтдаки уларнинг ҳаммаси мусулмонлар амри ва наҳиси остида бўлишлари ва мусулмонлар зиммасида бўлгандагина (бу ҳукмлар жорий қилинади) ҳозир эса аксинча, бизнинг устимиздан амр қилишади ва ҳукм қилишади, улар ҳозир амр буюрувчи, ҳоким ҳукм қилувчилар бўлишган бу нарсани яхшилаб мулоҳаза қилиш керакки, фуқаролар очик-ойдин руслар ва насронийлар сўйишига муҳтож бўлмаган таомларни, уларнинг қолдиқларини, мутлоқ ҳаром дейиш, тўшак, гилам, улар яшаган уйларни, идишларини, овқатланиш учун ишлашган идишларини, ичишга ишлатилган идишларини нажас билиш, ҳар ойлик маошларини, оддий ишчи ва мансабдорлар ўша қавмлардан олишади тоза ҳаром билиш ва яна ислом қозилари ва сардорлари мусулмонлар эҳтиёжини қондириш учун ушбу тоифа билан аралашиб қўшилиб ишлашларини эътибордан четта тутиш бу аҳмоқгарчилик ва мазҳабни яхши билмаслик, миллатни танимасликдан ва уларни тушунмас // 33^a ликдандир. Зероки ийдларни, жумъа намозини, мусулмонларни хирожини белгилаш каби масалаларда матнлар ёзиб, шарҳлаб қўйишни нима фойдаси бўлади. Бунга ўхшаш шариатдаги нарсаларни дуруст ёки нодуруст деб белгилайдиган мужтаҳидларнинг аҳамияти қайда қолади. Шунинг учун фақиҳларни сўзига қарши чиқувчиларни худди пашшани овози ва эшикни ғижжиллаши каби булар каби кимсаларга, ҳеч қандай илмдан хабари йўқга ҳам ҳеч қачон эътибор берилмайди.

Демак, насроний ва аҳли китоб суймаган таом ҳақидаги масалага мувофиқ уларнинг қолдиқлари ичган ароқларига тегингани аниқ бўлмаса, ишлатган идиш тавоқлари нажас қиладиган очик нарсаларга теккани аниқ бўлмаса уламолар иттифоқи билан шариатга мувофиқ пок билишлари керак.

²³⁵⁷ Имом Суютий – Абдурахмон ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Жалолуддин (ваф. 1505).

Уларни масжиди ҳаром ва бошқа масжидларга киришлари, масжидни нажас қилмасликлари, Имоми Аъзам қавмларига кўра ҳозир ҳам маълум. Пайғамбаримиз салаллоҳу алайҳи вассаллам Бани Сақиф қабиласидан келган элчиларини Мадинаи Мунаввара масжидига киритганлари маълум ва китобларда ёзилган ўша вақтда улар мушрик эдилар ҳали исломга кирмаган эдилар. Қандай энди бу қавм кирган (ва) уйни ва ўтирган гиламларни нажас ва нопок дейилади, инсоф қилиш керак. Бу масаланинг ўзи қайси китобдан кўриб ўқилган ёки бу қанақа фаръий масала қайси асдан чиқариб олинган? Бунинг ҳаммаси фақат очик ойдин бўлган мутаассубликдан ўзга нарса эмас.

// 33^б Ҳозирги қозилар ва ийд намозларини қоим қилишлари, рўза ва фитр садақасини жорий қилишлари, етимларга қилинган васиятларни қоим қилишлари, хайр эҳсон учун берилган (текин пулларни) сақлашлари, йўқотилган молларни олиб сақлаб қўйишлари, валиси йўқ бўлган ёш қиз ва ёш болаларни турмуш қурдириш ва уйлантиришлари каби ишларнинг ҳаммаси мана шу қозилар ҳукмига боғлиқ ва бу дурустдир.

Шу кунларнинг ўзида қозиларнинг бўлиши ҳукм ва ҳадларни қоим қилишда валийлар ва ҳокимлардан беҳожат қилади. Қандайки олдинда зикр қилиб ўтилдики, қозини доим ҳукмдор, итоат қилинадиган ва бошлиқ ўрнида кўришлари керак. Қозининг ижозатсиз бошқа бировни жаноза намозида олдинга ўтказмасдан уни ҳурмат эҳтиромини жойига қўйиш даркор. Шариат ишларини кўпини ва ибодатхоналарини бекорга сиқарувчилар ва ботил дегувчиларни, дин олимларини хатокор деб билувчиларни ва салафи солиҳларни нодонга чиқарувчиларни нимага таъна қилиш мумкин.

Агар қозихонадаги ёки маҳкамадаги қози ва ҳокимлар шариат чизигидан ташқари қадам қўйишса, ёхуд жавр-ситама зулм йўлини танлашса бу ишларинининг жазосини жазо кунда ўзлари албатта (кўришади) олишади. Зероки:

«Сизлар ҳидоят топган бўлсангизлар, бошқаларнинг адашиши ва залолатга кетиши сизларга зарар қилмайди», дейилган Қуръонда.

Оддий ишчи ва саркорлар Россия ва насронийлардан хизмати эвазига оладиган ҳақларини ҳалол ва покиза билиш керак.

Ароқни кўтарганига, чўчка боқиб берганига ва канисаларни таъмирлаб берганига ҳақ олиб бўлиши ғаройиб ҳолат. Мазҳаб боши Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ буни покиза ва яхши санайдилар.

Мусулмонлар ҳожатини чиқариб улардан // 34^а ҳақ олиш ёки хирож йиғиб ҳақ олиш, йўллар ва кўчаларни назорат қилиб юриш, кўприкларни таъмирлаб ҳақ олиш дуруст нарса, лекин бу мафлук (бадбахт, бечора)лар буни нопок ва ҳаром санашади. Бу жуда ҳам ажабланарли нарсадир.

Яна бугунги кун ишчилари ва саркорлари ҳукумат тарафидан шариатга зид бўлган амр-буйруқларни олишса солиқ йиғиш ҳақида ва булар ушбу амрни фуқаро ва халққа зулм бўлмасин деб адолат билан ва тўғрилиқ билан амалга оширсалар ажр олишадими? Албатта савоб ва ажрга эга бўлишади.

«Ал-Қуния» китобида Имом аз-Зоҳид²³⁵⁸ айтадилар: «Кимки султон (подшоҳ) томонидан бир ишни бўйнига олса ва ўша ишни мусулмонлар орасида адолат ва тўғрилиқ билан амалга оширса, яъни солиқларни олишда мана шу қилган одилонани иши учун мукофотланади. Гарчи ноҳақ жойдан ўша иш бошланган бўлса ёки амр қилинган бўлса». «Танқиҳ ал-Ҳомидийя» китобида ҳам қайси бир киши солиқларни тақсимлашга эга бўлса ва мусулмонлар орасида адолат билан иш кўрса ажру савоб олади, деган сўзни айтишган. Ва ана шу қилган одиллиги туфайли фосиқ бўлмайди агарчи солиқларни олувчиси золим киши бўлса ҳам. «Қурроту уюни-л-ахёр» китобида ҳам шу маъно келган. «Ал-Фатҳ(ал-қодир)» китобида айтади: «Биз ал-Баздавий²³⁵⁹ ҳақида айтиб ўтган эдикки, ким султон томонидан мусулмонлар орасида солиқ масалаларини ҳал қилиш лавозимида қоим бўлса, ўзининг ишини мусулмонлар орасида одиллик билан юритса у ажру савобга эга бўлади, гарчи золим томонидан зулм учун буюрилган бўлса ҳам».

Ўтган умматлар билан қўшилиб юриш (аҳли китоб) ва ўша пайтдаги яъни Пайғамбарларимиз алайҳиссалом замонларида у зот яшаган кунларда ҳам мушрик кофирлар ва аҳли китоб вакиллари билан муомалада бўлишган ва ҳозирда ҳам муомала қилинади. // 34^б Олди-берди, савдо-сотик каби муомалатлар аҳли китоб ва мушриклар орасида машҳур саҳобалар ва тобейинлар ҳаётларида воқеълиги сийрат ва тарих китобларида ёзиб қўйилган. Бу нарсаларни очик-ойдин ва батафсил баён қилишга ҳожат йўқ.

²³⁵⁸ Имом Зоҳид – Нажмуддин Абу-р-Рижо Мухтор ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад аз-Зоҳид ал-Ғазминий (ваф. 1260)нинг асари номи “Қунийат ал-мунийат ли татмим ал-ғунийя”дир.

²³⁵⁹ Баздавий/Паздавий – Фаҳр ул-ислом Али ибн Муҳаммад ибн Ҳусейн ибн Абдулкарим ан-Насафий ал-Баздавий (ваф. 1089. Кеш), “Канз ул-вусул ила маърифати-л-усул” асарининг муаллифи.

Шариатда бу гуруҳдаги кишиларнинг касалликларини кўриш ёки ўликларига таъзия билдириш жоиздир, бу эса кўшилиб юриш маъноси дегани.

Бу гуруҳдаги кишилар билан аралашиб кўшилиб юришдан чора қолмаганда яна олдинги ҳукмларга эргашган ҳолда иш қилинади. Солиқларни беришда, ҳар хил воқеаларни ҳал қилишда, зарурий ишларда масаласини ҳал қилиш, ҳар дам, ҳар соатда муҳтож бўладиган ўз мақсад, хоҳиш ва истакларни уларга тушунтириш учун уларни тилини биладиган ишончли ва омонатли киши йўқлиги учун уларни хатлари, тиллари ва ёзувларини ўрганиш зарур бўлиб қолади. Зероки «Иш торайиб, қийинлашса кенгайтириб осон қилинади» ва «машаққат енгилликни жалб қилиш билан ечилади» деган усулий қоидалар шу ўринда улар билан муомала қилиш асносида зарур бўладиган нарсаларни билиш керак ва лозим бўлади.

Муҳаммадийя динида ва Аҳмадийя шариатида (алайҳиссалом) машаққат даф қилинган. Худди шундай олдинги умматлардаги машаққат ва қийинчиликлари дафъ қилинган эди.

Қуръони Каримнинг «Бақара» сураси 185-оятда Аллоҳ таоло:

«...Аллоҳ сизларга енгилликни хоҳлайди қийинчиликни хоҳламайди»... Яна «Ҳаж» сурасининг 78-оятда:

«...Аллоҳ» сизларга динда қийинчилик қилмади...» дейилган.

Қийинчилик шариатда кўришиб турибдики, бутун вужух кўринишларидан ҳам йўқ қилинган.

Шариатдаги рухсатларга: бир амални тушириш, бирини камайтириш, бирини ўзгартириш, бирини кўйиш, бирини кейинга суриш, бошқасини алмаштириш, булар худди намозни қаср қилишга, ифторлик (рўзани очиш)га, сув йўқлигида тайаммум қилиш, сувни ишлатишда зарар бўлишда яна таяммум қилиш, яра боғланган жойдаги боғичга ва маҳсига масҳ тортиш, бош айланаётганда намозда // 35^a ўтириб ўқиш, қиёмга қодир бўлмаганда ҳам ўтириб ўқиш, кўча кўйда юрганда оёқ кийим ва иштонларга тегадиган тупроқларни авф қилиб кечирилиши, қиблани чалкаш пайтда бир (гумони устунрок) томонга қараб қасд қилиш, гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг қолдиқ ва териларининг пок ҳисобланиши каби буларга ўхшашни зикр қилиб батафсил баён қилиниши узрли бўлгани сабаб шуларнинг ўзи мусулмонларга енгил, осон ва ўзларининг ҳолатларини ва яшаш доираларини доим кенг тутиб юришларини талаб қилади. Наинки, тор тутиб, танг ҳолатда юриш қийин ҳолатларда яшаш.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта дин осондир. Бу динни ҳеч кимса қийин қилмасинки, дин уни устидан голиб келади».

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо салаллоҳу алайҳи васаллам динни ўзини осончиликнинг айни ўзи деб айтаяптилар ва қийинлаштирилмаслигини таъкидлаб ишора қиляптилар.

«Муъинн ул-Ҳукком» китоби соҳиби Шайх имом Абу-л-Ҳасан Али ибн Халил ал-Қози ал-Ҳанафий²³⁶⁰ айтади: «Дар ҳақиқат ёмон бўлган нарса яхши бўлди, тор бўлган нарса кенг бўлди, замонлар ўзгариши билан ўзгариши билан ҳукмлар ҳам ўзгарди бу нарсани шаръий қоидалар ҳам кўллаб қувватлайди».

Шариат эмизувчи боласи бор аёлнинг боласидан ўтадиган нажосатга кенг қараб авф қилиши агар кўрмаган бўлса ўша нажасатни худди бола эмиздирадиган кийим каби. Яна ёмғирли кунда ёмғир лойларини авф қилиш кенг қилиниши каби қандайки Муҳаммад Бухородаги нажас ва ифлоси бор бўлган тупроқи ҳақида гапирганда кенг қилиниши, яна ҳамма жойи шилинган яра-чақаси бор кишининг нажасатларини авф кенг имконият қилиниши, бавосил, гемморой касалли кишига ҳам нам қилишга кенг қараб имконият бериши, худди шунингдек шариат ҳоли танг бўлса // 35^b намоз арконлари ва шариатлари тарк қилинишига ҳам имкон берган хавф намози каби ва шунга ўхшаш бунақа нарсалар шариатда жуда кўп.

Шунинг учун ҳам имом Шофий: «Нимаики, танг бўлса кенгайтирилади, деб ўша ўринларга ишорат қиладилар раҳимахуллоҳ. Шунинг учун ҳам бизга ҳолат фасод ишларни бартараф этишда торлик қилса кенгайтирамыз қандайки тепада ўтган ҳолат, ўринларда кенгайтирилганидек, албатта. Зоҳир бўлдики, шариат ва ҳукмлар замон ўзгариши билан ўзгаради. Бу эса Аллоҳ таолонинг бандаларига бўлган лутфи карами ва махлуқотлари устида олиб борадиган азалий одатидир. Зоҳир бўлдики, бу нарсаларнинг келиб чиққан жойлари усул қоидалардан ташқари чиқмайди. Олий шариат келтирган нарсалар бидъат ҳам эмаслиги зоҳирдир. Сўзларни қисқа ва мухтасар қилиб тугатдилар.

«Дуррур Ғурур» китоби соҳиби айтади: «Қанча нарсалар борки, замон ва макон ўзгариши билан ўзгаради». Имом ут-Темиртоший ҳам худди шундай деганлари келтирилади. Демак очик ва равшан бўлдики, шариат ҳукмлари замонлар ва маконлар ўзгариши билан ўзгаради.

²³⁶⁰ Шайх имом Абу-л-Ҳасан Али ибн Халил Ал-Қози ал-Ҳанафий “Дурар ал-Ғурур”нинг муаллифидир.

Таржих аҳлидан бўлган имом Қозихон «Фатовои Қозихон» китобларида: «Бизнинг замонимиз шубҳалар замони эмас шу сабабли мусулмон кишига фақатгина аниқ бўлган ҳаромдан сақланиши лозим бўлади», деб келтирганлар.

У зот ҳижрий 592/1195-96 йилда вафот этганлар. Ўшандан ҳозиргача 705 йил ўтган. Энди бу орада қанча фарқлар пайдо бўлиб ва намоз ўзгаришлар бўлмади. Бу нарсани тушуниш керакку, ахир.

Ҳозирги имом(лар)ни ҳолатини ўтган олдинги йиллар ҳолати ва вазиятига таққосламаслик керак. Зероки // 36^а ҳар фаслни ўзини тақозоси бўлади. Агар бир киши ёзнинг иссиқ кунда салқин бўламан деб тулқиға ўхшаш ҳайвоннинг терисидан бўлган иссиқ кийим кийса ва қишнинг совуқ кунда исинаман деб муз ва музланган сув ичса бу кишининг одамлар ақли калта ва фаросатсиз деб устидан қулишади албатта.

Бу ҳозирги замонда Туркистон ва Фарғона аҳолисиға шу нарса лойиқ ва муносиб бўлардики, мавжуд бўлган ҳозирги қози ва мансабдорларни ўзларига улуғ неъмат ва раҳмат деб билиб шукр ва санолар айтишсин. Зероки бу исломий ўлкадаги шарафли мансаб, шариат ҳукмлари ва бошқа муомалат ишлари шулар қўлида. Келиб чиқадиган шаръий масалалар ва тушунмовчиликлар каби хусуматларға айни ўшалар барҳам беришади. Шундай экан ишни шуларға топшириб уларни қувватлаш керак. Уларни ҳурмат ва эҳтиромларини жойиға қўйишлари зарур. Чунки уларға ҳурматсизлик қилиш, улар енгил санаб юриш босилиши ва йўқотилиши қийин кечадиган фитнани келтириб чиқаради. Мақол (35-бетни охири) «Кўп сўзлар борки сени ўлимға олиб боради ёки ўлимингдан сақлайди». Яъни айтаётган сўзингни билиб гапиришинг керак.

Уларни таъна қилиш ва маломат қилишдан тилни тийишлари лозим.

Ҳаммага маълумки, агар фаразан оладиган бўлсак мансабдорлар ота-боболарино тақлид қилиб мансабларидан кечиб юборишса насроний ҳоким ва валийлари бу муфтийлик ва раислик мансабларни қўлдан бермасдан // 36^б ҳукмларни ҳал қилиш ва бартараф қилиш каби масалаларни шаксиз Россия амалдорларига топширади ўша вақтда кўрасизки ички ҳокимият вилоят дорул-ҳарбға айланади, натижада афсус-надомат фойда бермайди. Ана ўша кунда дашном берувчилар пушаймон бўлишади. Ваҳоланки ислом диёриға кириш тинчлик диёриға кириш дегани.

Рус амалдорлари ва арбобларидан бўлган улуғларига модомики дин ва миллатдан узоклаштирмасалар ва шариатнинг шоҳ йўлидан чиқариб ташламас экан уларни амрларига сўзсиз, тортишувсиз, қайсарсизлик ва фитна қилмасдан, улар белгилаб берган солиқларни ўз вақтида расмийлаштирилгандек адо қилиш керак.

Ўтган тарихда кўрган бўлишлари керак. Чингизхон²³⁶¹, унинг ўғиллари ва набиралари пайтида Туркистон вилояти, Мовароуннаҳр, Тохаристон, Хуросон, Систон, Форс, Ироқ ва Мозандарон жойларда қатл, шаҳарни вайрон қилиш, бандаларға азоб бериш, фитна ўчоқларининг ёниши, фасод тарқалиши бечора аҳолини хону монини куйдирган, яшаш жойларини қариб 4/1 қисмлари вайрон қилинган. Ўша даврларни эслаш кўзға тупроқ суртиб минг шукр қилиш ҳиссини туғдиради. Аллоҳға шукр-ки, ҳозир ўша даврнинг ўндан бири юзаға чикмаган ва уни устиға улар кофир мушриклардан эдилар // 37^а мусулмонларға қаттиқ душман бўлишган. Булар эса насронийлар «Ҳоҳлаган ишини қилувчи»... Аллоҳ таолонинг муҳаббатига яқинроқ бандаларидандирлар.

Гоҳида Аллоҳ Жалолият сифатини зоҳир қилиш учун бандалари устида шу жалолият сифатини зоҳир қилувчи бандасини бош қилиб қўяди. Гоҳида эса Жамол масдарини олий кўтаради, яъни жамолият сифатини зоҳир қилувчи бандасини бош қилади. Зероки Аллоҳ таоло «Анбиё» сураси. 23-оятида:

«У ўзи қиладиган бирор нарса ҳақида жавоблар эмас, балки улар (Аллоҳнинг наздида бандалар) жавобгардилар». Банда дунёвий ишлардан бўлган манъ қилиш, бериш, ушлаб туриш, кенг қилиб бериш бунға ўхшаш иймон келтириш, кофир бўлиш, тоат ибодат қилиш ва исён қилиш каби ишларда инсоннинг ҳеч қандай дахли йўқ, балки Аллоҳ таолонинг ишларидандир. Зероки, бандани вазифаси рози бўлиш ва таслимдан иборатдир. Ҳадиси қуддисида Аллоҳ таоло:

«Ким мени қазойимға рози бўлмаса ва бало (имтиҳон)ларимға сабир қилмаса, борсин ва мендан бошқа парвардигор топсин», деб айтган.

Агар эътироз билдириб айтилса-ки, Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи вассаламнинг: «Жиход қиёмат кунигача давом этувчидир», - деган сўзлари муҳкам (ҳукми қатъий)дир бу ҳадис насхни (ҳукми бекор бўлиши) ҳам таъвил (бошқа ҳукм чиқариш учун таъвил)ни ҳам қабул қилмайди, деб далил қилишса биз бунға «ҳа» дар ҳақиқат бунда ҳеч шубҳа йўқ деб айтамыз. Аммо, лекин шаръий ҳукмлар ва тақлифларининг ўзига хос кўпгина шартлари мавжуд. Ўзига хос узрли ҳолатлар борки

²³⁶¹ Чингизхон – муғуллар империясиға асос солган. 1227 йили ўлган.

бир амални қилишни рухсатини беради ва яна ўша амални соқит қилади. Осон бўлиш учун қилмасликка рухсат беради. Шу маънода «Дурр ул-мухтор» китоби соҳиби: «Жиходни вожиб бўлиши учун қурол-яроққа қодир бўлишидир, йўл омон бўлиши эмас. Чунки агар у билсаки, урушса ўлдирилади, урушмаса асирга олинади. Ўша пайтда унга урушиш лозим бўлмайди. Зероки итоат тоқатга қараб бўлади».

«Фатовои (Қори) Ҳидоя» китоби муаллифи ҳам қуйидаги шартларни келтиради: «Жиход жоиз бўлиш учун икки нарса керак бўлади. Биринчиси душман агар унга ҳақ динни таклиф қилишса, яъни ҳақ йўлга кириш учун чақирилса-ю, у манъ қилса ва бизлар билан уларнинг ўртасида тинчлик бўлмаса. Иккинчиси, ўша шахс ўзининг ижтиҳоди билан ва бошқа бир кишининг ижтиҳоди билан ислом аҳлига шону-шавкат ва қувват бериш умидида бўлса, яъни шу иш амалга ошишига умид қилинадиган бўлса жоиз бўлмаса // 37^б у ўзининг ҳалокатга ўхшаб қолади ва натижада бу нарса ҳалол бўлмайди».

Шу ерда маълум бўлдики умидсиз, ғалабага эришиш ва мусулмонларнинг шавкатларини сақлаш кабилар номаълум бўлса урушиш ва жиҳод ҳалол бўлмайди. Аслида жиҳоддан асосий мақсад бир нафсни қонини тўкиш ёки талофат етказиш эмас, балки динни эъзозлаш, химоя қилиш ва мусулмонлардан ёмонликни даф қилиш асл мақсаддир. Бу мақсадга эришиш хоҳ урушиш билан бўлсин хоҳ таслилят билан бўлсин, хоҳ тинчликми, олишми ёки беришми фарқи йўқ маънавий жиҳод ҳисобланади. Фикҳ китоблари бунга ўхшаш мазмундаги гаплар билан тўлиб тошган. «Дурр ул-мухтор» китобида: «Жиходни тарк қилиш учун улар билан сулҳ тузиш жоиз пул улар томониданми ёки бизнинг томонимизданми агар яхшиликка бўлса бўлса». Ибни Обидийн, яъни биз уларга берадиган пул билан сулҳ тузишимиз жоиз агар имом ўзининг ҳалок бўлишидан кўрқса ёки мусулмонларнинг ҳалок бўлишидан кўрқса, қайси йўл билан бўлмасин жоиздир.

Киши ўша жоҳиллигидан ўзини милтиққа нишон қилиши ёки ўткир қилич остида яланғоч туришини шу билан бирга ўз нафсини ҳалокатга тутган кишини ишларини бирор кимса шаръий жиҳоддан ҳисобламайди.

Шеър:

Ликулли жаддин лаззатун ғайри инаний,
Ахол жаид ал мавт ғайра лазиз.
[Ҳар бир янгиликни лаззати бор,
Лекин ўйлайманки янги ўлимда лаззат йўқ].

«Шарҳи Ниқоя»да Қаҳистоний²³⁶² «Мажма ал-Анҳор» китобида эса Шайхзода келтиришганки, амал қилиш бошқа шартлар йўқлигида қалб далилига қаралади. Бу замонда жиҳодни вожиб деб даъво қилувчилар // 38^а бир ўйлаб кўрсинларки, қарши чиқиш учун тенг бўлиш керак бўлмаса худди йўлбарсга қарши чиққан бўрининг ҳалок бўлиши аниқ бўлган ҳолатга ўхшайди. Яна сичқон мушукка қарши чиққанда ейилиш аниқ бўлган ҳолатга ўхшайди. Бу уруш бобида кўплик, катталиқ ва шунга ўхшаш аскарларнинг соғлом бўлиб тик туриши билан бирор нарсага эришилмайди, балки қарши душман кучига тенг бўлиш ва аскарлик қонун қоидаларини билиш билан бир нарсага эришилади, чунки бу нарсалар ҳарбий тайёргарликда талаб қилинадиган нарсалардир. Худди саркардаларни ўз ўрнида қўйиш, кийим-кечак тайёрлаш, урушга яроқлик қуролларга ўхшаш. Бақоли илми фуруъ илмлардан ҳисобланиб, буни ҳам билиш лозим: аскарларни тартибланиш кайфияти, унинг ҳолати, сафда турли кўринишлари, яқка тартибдами ёки қўшиб саф тортадими, сафдаги ададларни таъминлаш, кишиларнинг уруш майдонида мувофиқ учбурчак туришими ёки тўртбурчак туришими, айланамми ё инки узун саф тортишими, акси каби уруш майдонидаги барча услуб шарт-шароитларидан воқиф бўлиш керак. Бу нарсаларни билмаслик, буларга риоя қилмаслик натижасида ғалаба ҳеч қачон юзага чиқмайди. Зероки, Муъта ғазоти²³⁶³ да Зайд ибн Ҳориса²³⁶⁴, Жаъфари

²³⁶² Қаҳистоний – Шамсуддин Муҳаммад ал-Қаҳистоний ас-Самалоний ал-Хуросоний бу шарҳини 1534-1540 йй. давомида тамомлаб, Шайбоний Убайдуллоҳхонга тақдим қилган ва унга “Жомиъ ар-румуз”, деб ном берган.

²³⁶³ Муъта ғазоти – ҳ. 8 йил жумодул-аввал. / м. 629 йил сентябр. Жумодул-аввал ойида Муҳаммад пайғамбар Зайд ибн Ҳориса бошчилигидаги 3000 кишилик қўшинни Бусро ҳокими томонидан ўлдирилган Ҳорис ибн Умайрнинг қасосини олиш учун жўнатдилар. Мусулмонлар Муътага етиб келганларида румликлар ва насроний арабларнинг 100000 кишилик лашкарига дуч келишди. Мусулмонлар урушга киришишди. Қўшин бошлиқлари Зайд ибн Собит, Жаъфар ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Равоҳалар бирин-кетин шаҳид бўлишди. Қўшинга Холид ибн Валид бошлиқ бўлди. Дастлабки куни Холид байроқни маҳкам тутганча жанг қилди. Эртасига қўшиннинг сафини ўзгартириб, орқадагиларни олдинга, олдиндагиларни орқага, ўнг томондагиларни чапга, чап томондагиларни ўнгга ўтказди. Бу ўзгаришдан беҳабар румликлар мусулмонларга ёрдам келибди, дея хавотирлана бошлашди. Холид пайтдан фойдаланиб қўшинни Муътага чекинтирди ва 7 кунгача душман билан жанг қилди. Душман мусулмонларни таъқиб қилиб, чўл ичкарасига кириб қолишдан, жазирама иссиқда сувсизликдан ҳалок бўлишдан кўрқди. Мусулмонлар бу вазиятдан фойдаланиб Мадинага қайтиб келишди.

Тоййар²³⁶⁵ ва Абдуллоҳ ибн Равоҳа²³⁶⁶ (разияллоҳу анҳум)лар шаҳид бўлганида мусулмонларнинг чекиниши бориб Холид ибн Валид (разияллоҳу анҳу)нинг жанг маҳоратини билганига тақалди. У киши лашкарни ҳолатини ўзгартириб, уруш тактикасини бошқа йўл билан ишга солганлиги сабаб мусулмонлар Фируз лашкарлари, кофирларни мағлуб этишди.

Уруш асбобларини, тайёргарлигини ва уни рўёбга чиқариш учун камида катта туяга ҳужум қилган шерни // 38^б жасорати каби жасорат керак. Яна турнанинг катта кучли жасадига қарамай узок масофага тиш-тирноқларини кўрсатиб тумшуғи билан учиб қилган журъати каби журъат керак. Аллоҳ таоло:

«Улар учун имконингиз борича (ҳарбий) куч ва отлиқ бўлинмаларни тайёрлаб қўйингиз», дейилган (Инфиол, 60].

Аллома Замахшарий²³⁶⁷, Байзовий, Насафий²³⁶⁸ ва бошқалар Уқба ибн Омир²³⁶⁹ разияллоҳу анҳудан қилинган ривоятни: «Мен Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи васалламдан эшитдим. У зот айтардилар: «Огоҳ бўлингиз куч (найза) отишдадир». Бу қавлларини уч марта қайтардилар».

Уламолар бу ҳадис маъносини найза камон отишга тафсир қилдилар. Зероки ўша вақтларда энг яхши уруш қуроли найза отиш бўлган. Аллоҳ таоло ҳам Унинг расули урушга чиқарувчиларга шу нарсалардан фойдаланишни амр қилган. Ҳозирги кунимизда жанговар қуролларининг энг яхшилари милтиқ камон ва бошқа қуролларнинг аҳамияти катта экан, бу қуролларни ишлатиш услубларини ўрганиш ва уруш қонун-қоидаларидан таълим олиш, сафларни тартиблаш, уларни бошқариш ва олдинга бошлаш каби усулларни ўрганиш лозим ва шарт ҳисобланадиган зарурий илмлардандир. Бу нарсаларни тайёр қилмасдан таёқ, калтак, пичоқ, найза ва бошқа уруш қуролларидан ҳисобланмайдиган нарсалар билан мукамал бўлган Россия кўшинига қарши чиқиш ўзини ўлимга элтиш ва аждаҳонинг оғзига бош қўйиш каби бўлади. Чунки Россия олдиндан то ҳозиргача маълумки кучли бақувват, шавкатли, урушларда ғалаба қозониб келган бир катта кучга, армияга эга. Доим ўзини тенги бўлган кучлардан устун бўлиб келган. Қандайки // 39^а, Искандар дунёни забт қилаётганда руслар келиб Барда чеккаси ва бунга эргашган жойларни қаҳр билан бўйсундириб Нўшобани асир олиб кетишди. Бу Искандарнинг фармонларини амалга оширувчи Марзабум эди. Искандар интиқом олиш мақсадида рус вилоятига лашкар тортиб келди. Ва рус подшоси билан иккаласи уруш майдонида узок курашдилар. Искандарнинг лашкари далер ва шижоатли рус лашкарига бас келмасдан мақсадлари пучга чиққани маълум. Ҳақиқатдан ҳам ер юзи подшоҳларининг бирортаси император каби Искандар билан урушиб жанг қилмаган. Қандайки, мўътабар тарихда (аниқ санаси ва воқеалар) марҳум ва мастурдирки, ночор Искандар ўзининг нафис жони билан уруш майдонига кириб Аллоҳ таоло унга ўз фазли билан нусрат берганда подшо хазинасига кириб қоғоз ахчаларни ўша пайтда (пўст) шерик бўлган пулларни кўриб офарин деб, ҳукумат ва салтанатни бошқариш булардан бошқа нимани хоҳлайди, эски тери кумуш ва тилладан // 39^б бўлган (булардан бош тортилмайди?) Кимнинг қалбида бу воқеадан озгинадан-озгина бўлса ҳам шубҳа пайдо бўлса Шайх Низоми Ганжавий²³⁷⁰нинг «Искандарнома»ларини «Хамса» асаридан мутолаа қилсин шояд янада бу воқеани тасдиғи зиёда бўлишса.

Ва мен банда Тойиб Оқ масжид²³⁷¹ воқеасининг бошидан то ҳозиргача қарийб 50 йил бўлдики, Россия ва мусулмон ўлкалари ўртасида бўлиб ўтган урушларда бўлганман. Бу тоифа (руслар)нинг кучли ва шиддатли эканини бир неча маротаба кўрган пиёда, отлар, эшак каби жанг (миғфор)лари билан Россия аҳли ноқис Фарғона ва Туркистон аҳли билан осон уруш олиб борди.

«Қовоқ гарчи сувда бўлса ҳам мағрурланма. Чунки нима бўлса ҳам қовоқ қовоқлигича паст, арзимасдир», деган мақол шунга мосдир

Шайх Низоми Ганжавий (Аллоҳ раҳмат қилсин) «Искандарнома»сида айтади: **Назм:**

Ба харгўш хуфта мабин зинҳор,
Ки чандон ки хуспад давад вақти кор.
Жигар хўрдан ойини русон бувад,
Маю нуқл кори арўсон бувад.

²³⁶⁴ Зайд ибн Ҳориса – Пайғамбар Муҳаммадга энг бирирнчилардан имон келтирганлардан, кейинчалик саркарда. Румликлар билан бўлган урушда ҳалок бўлган.

²³⁶⁵ Жаъфари Тоййар – Жаъфар ибн Абу Толиб.

²³⁶⁶ Абдуллоҳ ибн Равоҳа – у ҳам юқооридагилар каби Муъта урушида ҳалок бўлган.

²³⁶⁷ Замахшарий – Абулқосим Маҳмуд ибн Усмон аз Замахшарий (ваф. 538/1144).

²³⁶⁸ Насафий – Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ан-Насафий (ваф. 537/1142).

²³⁶⁹ Уқба ибн Омир – ансорлардан.

²³⁷⁰ Низоми Ганжавий – буюк форс-тожик шоири. Ганжада (Озарбойжон) оламга келган. 606/1209 йили вафот этган.

²³⁷¹ Оқ масжид – қўқонликларнинг мазкур қалъаси 1853 йили рус босқинчилари томонидан босиб олинган эди.

[Ухлаган қуёнга паст кўз билан зинҳор қарама,
Қанча ухламасин, бироқ керак бўлганда расо югуради.
Жигар емоқ русларнинг расмидир,
Маю таом емоқ келинларининг ишидир].

Аммо Туркистон ва Дашти Қипчоқ мамлакатининг султонларидан бўлган Амири Кабир Мулло Алий Қулий лашкарбоши бўлган шожоатли, урушдаги хийла-найрангларни билган, моҳир бўлган, бардошли, // 40^a саботли ва сабрли уруш қуроллари ҳам етарли бўлган бу истисноли шахс ҳам бу рус қавмининг уруши услубида, қурол-яроқлар ва қонун-қоидаларни билишда буларга тенг бўлолмаган. Бу ҳам бас келолмагандан кейин буларни яқин муддатда енголмаслигимиз уларга бас келолмаслигимиз аниқ. Ҳеч кимга маълум эмас шояд бу даврлардан кейин бирор киши ўз ғайрат ва жасоратини зоҳир қилса.

Бандаи Тойиб ўша вақтнинг ўзида билган эдики рус лашкари (фирқаси) билан урушиш, уларга қарши чиқиш Туркистон ва Мовароуннаҳр аҳлининг тоқатидан ортиқ бўлган бир ишдир. Ҳозир улар билан фақат сулҳ тузиш ва таслим билан фойда топиш мумкин. Бу диёрнинг яшаш тарзи ҳолати устидан бошқарув бор экан бир паст кишини фикрини ҳеч ким эътиборга олмайди ва яхши деб ҳисобламайди. Шунинг учун ўз замонининг ақилли фарзандларидан бўлган амир Муҳаммад Яъқуббек Ғозийнинг фикрларига розилик ҳам қулоқ ҳам солмадилар.

Яна амир Музаффар камоли хирадмандликдин Россияга қарши жиҳоди ҳақидаги даъвосини муқаддимасини ўқиши билан тугатди ва маломатчиларнинг маломати ишнинг вовуллаши ва қарғанинг қағиллаши деб қараб уларга эътибор қилмасдан Россия императори билан сулҳ тузди ва алоқаларини мустаҳкамлади. Мана 35 йилдан бери // 40^b Бухоро аҳолиси, Шаҳрисабз, Ҳисор ва Кулоб шаҳарлари аҳолиси ўша сулҳнинг сояси остида тинч яшаб замоннинг барча хатарларидан омонда яшайптилар. У зотнинг фарзандлари эса биноидек ҳукмронлик қиляптилар. Аллоҳ у кишини мукофотласин! Шоядки, Туркистоннинг бошқа мамлакатлари ҳам бунга ўхшаш муваффақият йўлини тутганда ва сулҳ тузганда бошқарувни ва мамлакатни бардавомлигини сақлармиди!?

Мана Фарғона ва Андижон аҳолиси Абдурахмон Офтобачи ва Фулодхонлар фитна қилган даврда Россия кўшинининг кучли эканлигини ва улар билан урушиш қийин эканлигини ўз кўзлари билан кўриб гувоҳ бўлишди. Ваҳоланки ўша пайтда валийлар ҳам душмандан ҳимоя қилувчи қурол-яроқларга ҳам эга эдилар. Ҳозир эса бу жамият паришонхотир ва бесаранжом ҳолатга айланди. Қани энди ким бор бу зулм, туғённи кўтариб жамиятни асл тинч-тотувлик ҳолатига келтирадиган?.

«Мўмин киши бир чуқурга икки маротаба тушмайди»

«Синалганни синаган киши надомат чекади».

Булар очик масаллардир. Бу вилоят халқи эса ақл нидосидан кийинган, тамийз кийими билан безанган, ахлоқлик ва бедодлик кийимини киймаган, беҳушлик ва жиннийлик шаробини ҳам ичилмаган шунинг учун улар русларга қарши чиқишнинг аччиғлигини ва тинч-осойишталикнинг кетишини билишади. // 41^a Тинч-тотув яшашнинг роҳат, фароғат эканлигини билишади.

Аммо бу ўлкада жуда кўп тарбиясиз кўрс кишилар бор, авбош ва бозор кишилар борки, бозор итларидан ҳам ёмондирлар. Булар фасод гулханини ёқишдан бошқага ярамайдилар. Бечора камбағаллар рўзгорининг танглигидан боши бола-чақа ва оиласини боқишдан нари чиқмайдиганлар худди оёғи синган ва бошини урганга ўхшаб қолган бўлса, бу нокас кимсаларнинг захри таънасига қолиб қандай амру маъруф ва наҳий мункар эшитишга чиқсин. Мамлакатнинг гуллаб яшаши, фасодкорларнинг озоридан йўқ бўлиши ва вилоят гулзорларининг безаги мутамаррид кўзғолончиларнинг фитнасидан таг-туби билан йўқолишини олдини олиш онгсиз фуқароларнинг кўлидан келадиган нарса эмас, балки бу муаммоларни ҳал қилиш бошлиқ султонлар ва амирларнинг ишидир. Қандайки, Муҳаммадали²³⁷² Мингтепани фасодчиси олдин бир бахтсиз ва касодга учраган киши бўлган. Иши ёғоч тозалаш бўлган.

«Урғочи эчки (бўлган) така бўлишини орзу қилибди».

Кейин халқни таомлаштириш билан ўзига ром айлаб нодон халқ у жоҳилнинг ишини ғайриоддий ҳисоблаб хонақоҳ ва лангарига ҳужум қилишди. Рус ҳоким ва амирлари // 41^b бу эсипаст халқнинг тўполони ва издиҳомини босиш пайига тушиб уларни аёвсиз қириб юборишди. Бу жойда энди уларга насиҳат қилиб нодонлик ва такаббуруна қилиғларидан қайтишга уринадиган ким бор. Ваҳоланки бу қилғиликни қилиб энди пушаймон бўлиб, битта ҳолга тушиб бўлишган худди «Бир йил рўза тутиб сўнг сийдик ичган» ҳолга тушиб қолганга ўхшайди. Буларнинг ҳаммаси сохта парҳезкор ва зуҳднинг натижасидир.

²³⁷² Муҳаммадали Мулла Собир ўғли, яъни Дукчи эшон.

Милодий 1898 йилга тўғри келадиган 1316 ҳижрий йилда бу фалокатли фитна сабабидан ислом чароғи нурсиз, бутун мусулмон уммати осойишта яшайдиган жойидан маҳрум бўлиши, шаҳар тинчининг бузилиши билан бирга дорга осилганлар, сўйиб ташланганлар, қиличдан ўтказганлар ва ватанидан сургун бўлган қанчадан-қанча мазлумларнинг биргина сабаби бу ўша мудҳиш фитнанинг кўзгатилишидир. Зероки Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи вассалам: «Фитна ётувчидир. Уни кўзгатувчи (кўзгатиб уйғотган) кишини Аллоҳ лаънатласин», - деб айтганлар. Имом Ас-Суютий «Жомеъ ус-Сағир» китобида ривоят қилган бу ҳадисни шунинг учун нақд обрў ва иззатни, келажакдаги саодатни қўлдан бой беришди.

«На ўзингни покладинг ва на сувингни қолдирдинг». Бу мақол бир ишни кўзлаб келтирган нарсани фидо қилади ва охири иккаласига ҳам етмаган кишига айтилган.

Андижон аҳолиси бу исканжадан // 42^a оладиган танбеҳларини олишди ва кўрган нарсани кўришди. Агар бу жоҳил «шайх» ва бунга эргашган гумроҳ шериклари озгина бўлса ҳам илм дегани неъматдан хабардор бўлишганда, ақлдан баҳраманд бўлишганда катта рус императорига қарши чиқишмасди. Унинг имкониятлари, лашкарларининг пухталиги, ўт отувчи машиналари, қурол-яроқлари ва бошқа замонавий имкониятларининг чексизлигига эга бу ўлкага қарши чиқиш ғирт нодонлик ва аҳмоқлик аломатидир. Унинг хоҳлаган пайтда ўзини ҳимоя қилиш кўз очиб юмишдан ҳам осонроқ бўлган бу кучга қарши чиқиш мисвок ва асодан бошқа қуроли бўлмаган, ҳарбий илмлардан хабари бўлмаган ҳеч бир сармояга эга бўлмаган кишилар томонидан қаршилик қилиб кўзғолон қилиб чиқиш аҳмоқлик ва жаҳолатнинг энг чўққисидир. Ўзини ҳалокат ўчоғига отишдир. Асо (таёқни)ни илонга айлантириш Мусо алайҳиссаломга хос мўъжиза, ўликни тирилтириш, пес ва моховни тузатиш Исога хос мўъжиза ва ғазот (уруш)ларда малоиклар билан кўмак берилиш эса Муҳаммад пайғамбаримизга хос бўлган мўъжизадир.

Қайси пайғамбар ёки Расулнинг а.с мисвокларни оловли ўтли милтиққа айланганки, бу фасодкорнинг каромати // 42^b билан айлансин. Бунга ўхшаш алжираш фақат ўша жоҳилнинг қўлидан келади. Аҳмоқлардан ўзгалар бунга муршид бўлиб шайх деб билишмайди.

Илмсизлик ва нодонликдандирки, битим тузган ва ваъдалашган кишиларни уларга хабарсиз ҳолда зарар ва азият бериб булар шариатда таъзирланиши керак, деб тун яримида ноҳақ бир жонни ўлдириш билан ўзини жонини ва мусулмон жамоаси жонини хавф-хатарга қўйиш бу Аллоҳ таолонинг «Анкабут» сураси 13-оятда:

«Албатта улар ўз юкларини ҳам, у юклари билан бирга бошқа юкларни ҳам кўтарурлар».

Ваъийдига мувофиқ тушиб ўзини илм-маърифатсиз шайхлик мақомида кўрсатиш бу ажрсиз бўлган гуноҳ ишлардан ҳисобланади.

(Тавба қилувчи банда) Тойиб ана ўша вақтларда бир неча байтларни (араб тилида) қаламга келтирган эди, булар ушбу сатрларда собитдир:

Минг йиллардан бери яшириниб ётган чўғ кўринди,
Ёмон шайхнинг фитна оловини ўт олдиришидан.
Уни олдириб ёндирар, Аллоҳ уни куйдирар,
Юрт бошига қоронғу булутни келтирганидан.
Халқ шодлигин зулмат ила йўқ қилди,
«Дурр» қидириб, жоҳиллик тубига етганидан.
// 43^a Қанча-қанча конлар ноҳақ тўқилди,
Тоғлар устида Андижон фожеаси содир бўлганидан.
У тоғлар бу даҳшатдан ёриларди,
Шайх ўзининг мағрур отига мағрурчасига минганидан.
Аҳмоқлик ила ўлим сари илдам одимлаганда,
Ишнинг зарари дарҳол дорга осилиб кетганидан.
Тўғри ҳакамга муҳолиф тезда жазоланди,
Эй қавм, ўзининг ҳавасини ҳалокат ичига тушиб қолганидан.
Энди қайтаётган бу нобакорни кўришга шошилишлар,
Кимки ўзининг тақвоси билан ўткинчи ноз-неъмат ва обрў-эътиборни хоҳлаганидан,
Аниқ ўзининг яшаш уйи қолдиқларини,
Жаннат боғлари эвазига сотиб юборганидан.

(Бошқаси)

Чу шайхи Мингтепа аз паси ҳамоқат зад ба жон оташ,
Фитод аз шўълааш бар пунбазори хонумон оташ.
Зи барқи хирмани амне, ки ин муфсид падида овард,

Мабод аз қаҳқашон печид ба қутб осмон оташ.
Пайи тарихи дуди фитнайи ў хомайи Тойиб,
Нигорад «воҳ» афзун зад ба «шаҳри Андижон оташ».

[Мингтепа шайхи ўз аҳмоқлигидан жонга уриб ўт,
Унинг чўғи хонумон пахатазорига тушиб ҳаммани ёндирди.
Тинчлик ортидан бу муфсид келтирилган фитнадан,
Сомон йўлидан қутб юлдузигача оташ олови етди.
Унинг фитнаси тутуни тарихини бермоқ учун Тойиб қалами,
Ёзди «эй вой» урди «Андижон шаҳрига оташ»].

Бу ҳодисаи шайхи Мингтепа воқеасини келтиришдан мақсад барча халқ ўйласин ва мукаммал ибрат олсин учундир. Агар ўша жоҳил ҳаддидан ошмасдан ўзининг художўйлиги, дуохонлиги ва бошқа ўзига хос ишлари билан машғул бўлиб қарор турганида Россияни наздида ҳамда мусулмонлар наздида ҳам мартабаси ошиб борарди ва бундай ҳолат балогоа гирифтор бўлмасди // 43^б. Хушсиз ва жоҳил халқ уларнинг издошлари ўзларининг дарвешона жойларини ва бечора ҳолларини ғанимат билиб бегонанинг йўлидан боришдан бош тортганларида бунчалик мосива ва пароканда ҳолга тушмасди. Қатл ҳам сургун ҳам қилинмасдилар. Аллоҳ таоло «Раъд» сурасининг 11-оятда: «...Албатта Аллоҳ бирор қавм ўзларидаги нарсани (неъматларга нисбатан муносабатни) ўзгартирмагунларича, улардаги нарсани (ҳолатни ёмон ҳолатга) ўзгартирмас»...

Халқ оддий фуқароларнинг вазифаси қайсарлик ва исённи ширк қилишдир. Фармонбардор бўлиб итоаткор бўлишдир. Уларга зид чиқмасдан ўзларига суянчиқ, деб билиш саодат аломатидир.

«Аллоҳ таоло ўз қадрини билиб ҳаддидан ошмаган кишини раҳм қилсин!»

Ҳашишани (наша чекиш) гуноҳлиги ёки ҳаромлиги ҳозир бу халқ тилида банг билан машҳурдир. Зероки бунинг маст қилиш, бўшаштириши ва уларнинг зарарлари очик ва ойдиндир. Уламолар унинг ҳаром эканлигига фатво беришган.

«Дурри Мухтор» муаллифи «Жомиъ ал-фатово» китобида қуйидагича келтирилганини айтади:

«Кимни гиёҳ(вандликни) // 44^а ва бангни ҳалол деса у зиндикдир ва мубтадиъдир», Нажмиддин аз-Зоҳидий эса «у кофир бўлади ва уни ўлдириш мубоҳ бўлади», деб айтади. «Ваҳбония» китоби шориҳи бангни ҳаромлигича жазм қилиб шундай айтган: «Бангни ҳаромлигига ва ёқиб юборишига фатво беринглар»

«Гиёҳвандни зажр учун никоҳини бекор қилиш ва уни қарор топишига фатво беринглар».

Бангни сотувчисига таъзир бериш ва фосиқлигини қарор топишига «Бангни ҳалол сановчини зиндик эканини собит қилинглари» дейилган.

Ибн Обидийн «Дурр ул-мухтори»даги «Баҳр» китобида банг чекувчини хотинига талоқ тушишини айтганини келтиради. Икки мазҳаб машойихлари фатволари ҳам Шофеий ва Ханафий мазҳаби машойихлари банг (наша)ни ҳаром эканига ва сотиб олувчисига жазо беришга фатво беришган. Ҳатто уни ҳалол сановчисини зиндикликка ҳукм қилинган. «Мубтағо» китобида ҳам шундай келган. «Фатҳ ул-Қадир» китобида муҳаққиқи ҳам шунга келишган. «Баҳри Ройиқ» китобида у банги ишлатувчисини талоқи воқеъ бўлганига фатво беришга келишган. «Фатҳ ул-Қадир»да муҳаққиқ Ибн Ҳумом ҳам шундга фатво берилган. Зиндик – шариатда тавбаси қабул қилинмайдиган ва қатл қилинадиган кишига айтилади.

//44^б Қаррофий ва Ибн Таймиййа²³⁷³ бангни ҳаром эканига ва уни ҳалол сановчисини кофир бўлишига ижмоъ эканлигини ҳикоя қилишган. Яна тўрт имом бу нарса ҳақида ҳеч нарса айтмаганликларини келтиришади, чунки уларнинг замонида бу нарсалар бўлмаган. Бу нарса VI аср охири VII аср бошларида Татар давлати пайдо бўлганда чиққан. «Дурр ул-мухтор»да афюн (кўкноридан сиқиб олинган сув)ни ҳам ҳаром дейишган. Чунки, бу ақлни бузувчи, Аллоҳни зикридан қолдирувчи ва намозларни тўсувчидир. Лекин хамрнинг ҳаром эканидан пастроқ даражада. Бундан фойдаланган одамга ҳад жорий қилинмайди. Гарчи маст бўлса ҳам. Балки ҳаддан кам жазони таъзир учун қўлланилади. «Жавҳара» китобида ҳам худди шундай келган. Ибн Обидийн «Радд ул-мухтор»да фуқаҳоларнинг банг ва кўкнорини ҳаром дейишлари //45^а ақлни беҳуш қилишдир. Машҳур ва маълум бўлган мастлик эмас, чунки бу маст суюқ маст қилувчиларнинг хусусиятидандир. Аммо маст қилувчилар ҳақида келган ваъийд таҳтига булар ҳам киради, чунки ақлни кетказиш сифатида булар ҳам иштирок этади ва айни Шориъ (Аллоҳ ва унинг расули)ни ҳам мақсади шулар бўлган. Булар сирасига Хуросон банги (бангидевона) ва афюн ҳам туради. Зероки буларда муккасидан кетиш ақлни кетказди, рангни йўқотади, ҳис, шахватни йўқ қилади ва қувватни заифлаштиради. Буларнинг зарарлари халққа деярли ҳаммаси етиб хабар топишди.

²³⁷³ Ибн Таймиййа – Тақиуддин Аҳмад (1263-1328), теолог, сўфий ва ханбалий мазҳабининг тарғиботчиси.

Шайх Нуриддин Али ибн Жаззор ал-Мисрий бангни ҳаром эканига атаб: «Комъ ул-ваҳишийн фи замми-л-Муборашийн» китобини ёзиб унда бангни ҳаром эканини исбот қилиб айтадики, улуғ ҳиммат соҳиблари наздида шу нарса собит бўлдики бу банг ушбу умматнинг ажалидир. Бу нарсаларнинг ҳаромлиги ва ҳалол дегувчиларнинг ҳукми фуқаҳолар наздида маълум бўлди. Табиблар ҳам буларнинг ботиний, зоҳирий, ҳиссий, идрокий, қариш, анқовлик, юзнинг сарғиши, калта фаҳм, бадхулқ, кўп вақт ҳушсиз ётиш, доим ғамгин бўлиш, оз нарсадан кўрқиб жазавага тушиш, кўзларнинг заифлашиши, қулоқларнинг яхши эшитмаслиги, таъмни сезмаслиги, қалб, жигар, ошқозон, буйрак, тишлар, нафас йўли, вабо, сийдикнинг қийинлашиши, ёмон ақидага бориш ўзини шу ҳолга ташлаш //45^б. Буларнинг асли воқеъликдаги ҳолатидан шу нарса равшан ва намоён бўладики, улар на ҳушёр ва на ҳушсиз, на уйқусиз, на уйғоқда, на бирор иш билан машғул бўлиб ўлим ҳам буларнинг яшашдан ор ва ҳазар қилади. Энг ажойиб нарса шундаки халқ бу нарсаларни оқибати, уларни истеъмол қилган кишиларни рангини ўзгарганини кўзи билан кўриб туриб бундан ибрат олмасдан яна бу ёмон нарсаларга ошиқишади. Бу нарсаларни ғам ва ташвишини ўтказувчи деб ҳисоблашади.

«Бошқадан ибрат олган киши бахтлидир».

Ақлли киши ва донишманд киши бу нарсаларнинг ҳунуклигини кўриб иложи борича булардан узоқлашади тоинки, дунё ва охираат саодатидан маҳрум бўлмасин деб.

Тамбоку ҳам ҳозирда аҳолининг тўртдан бир қисми турли йўллар билан бундан фойдаланишади. Бу нарса ҳам гиёҳлардан олинадиган ўсимликлардир. Янги чиққан яна бир зарарли моддалардир. Улар 1015/1606-07 хижрий йилда пайдо бўлган. Бу нарса олдинги дорихоналарда ишлатилмаган, чунки фақиҳ уламолар бу нарсани фойда ёки зарар, ҳалол ёки ҳаром эканлигида аниқ бир ҳулосага келишмаган //46^а. Баъзилар эса маст қилувчи деб ҳаром эканига қоил бўлишган. Баъзилар эса ёмон ҳидини иллат санаб макруҳлигига фатво беришган. Бир жамоа аслига қараб ҳаромлигига очик далил йўқ деб мубоҳлигига боришган бўлса, яна олдингиларни қавлини кучайтириб «Ваҳбония» китоби шориҳи буни ҳаром деганлар. Шайх Исмоил Наблусий²³⁷⁴ ва Шайх Масирий буни манъ қилишга фатво беришган. «Дурр ул-Мунтақий» китоби муаллифи ҳам ҳаром деганлар фақат султонни амри билан деб қайдлаб қўйганлар. Шайх Умодий саримсок ва пиёзга эргаштириб макруҳ деган. Шайх Али ибн Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-Ажхурий²³⁷⁵ буни ҳалол эканлиги ҳақида «Дўконлардан ақлни кетказмайдиган нарсани ҳалол экани» таълиф қилиб чиққанлар.

Муътамад олимларнинг фатволари, тўрт мазҳаб имомлари (далилларини) нақлини келтиради.

«Ҳидоя» китоби шориҳи Саййид Ориф Абдулғаний ан-Наблусий²³⁷⁶: «духон (тутун)ни чекишнинг мубоҳлигида биродарлар орасидаги сулҳ рисоласи, деган маънода бир китоб таклиф қилганлар. Бу китобларида ва бошқа кўп яхши китобларида худди «Томмаи Кубро», китобларида бу нарсаларни макруҳ дегувчилар далиллари йўқлиги ва буларнинг маст қилиш ва одамни бўшаштириши ҳақида ҳеч қандай собитлик хабар йўқлигини айтиб, балки бунда фойда ва манфаатлар борлиги аниқ эканини айтганлар. //46^б Зероки, зарарни фарз қилиш ва баъзи мижозли одамларнинг табиатига нисбатан бу нарсаларнинг батамом ҳаром экани келиб чиқмайди. Агар (биз ҳам) фараз қилсак сафро касаллиги баланд кишига асал зарарли, касалликни оширувчи ва ҳаттоки, ҳалок қилувчидир. Ваҳоланки, асални қатъий насо (далил) билан шифо экани келтирганлар. Энди сафро касаллиги сабаб асал ҳаром ёки макруҳ деб ҳеч ким айтолмайди.

Бир нарсани ҳаром ёки макруҳ деб ҳукм қилиб Аллоҳга ёлғон тўқишда эҳтиёткорлик эмас, балки нарсалардаги аслият нарса бу уларнинг мубоҳ (раво) эканлигидадир. Эҳтиётли нарса уларнинг мубоҳлигидаги бу нарсани муҳаққиқ Ибн Хумом ҳам таъкидлаб, асл нарсаларни ҳаром санаш бобида келтирганлар. Расулulloҳ салоллоҳу алайҳи вассаламки, шариат жорий қилувчиси эди, ёмонликлар онаси бўлган хамр(ароқ) ҳақида то очик насс (Қуръон ояти) нозил бўлмагунча ҳукмида тўхтаб турганлар. Бу нарсани сўровчисига лойиқ бўларди. Асли мубоҳ бўлган нарса деб жавоб бериш. Уни хидига келсак табиатан макруҳ дейилади (ёмон хидли) лекин бу шаръий макруҳ деб айтилмайди. Султон ва амирлар бу нарсани ишлатиш мумкин ёки мумкин эмас, деган жойда ўзи аслида буларни истеъмол қилиш дуруст бўлса қаердан султон ва амирлар бундан манъ қилишади ёки улар қаердан ҳалолни ҳаром ёки ҳаромни ҳалол қилишади. Буни ишлатиш ҳақида уламоларнинг сўзи келган.

²³⁷⁴ Шайх Исмоил Наблусий – Шайх Исмоил 1062/ 1651-52 йили ваофт этган. “Шарҳ ад-дурар ва-л-ғурар” асарининг муаллифи.

²³⁷⁵ Шайх Али ибн Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-Ажхурий – фақиҳ олим ва мужтаҳид.

²³⁷⁶ Саййид Ориф Абдулғаний ан-Наблусий – Абдулғаний ан Наблусий аш Шомий (ваф. 1143/1730-31). Шайх Исмоил Наблусийнинг ўғли ва шогирди.

// 47^a (Ҳомидия) «Фатвои Ҳомидия» муаллифи бу танбаку (тамаки) маҳсулотининг ҳалол ё ҳаромлиги ҳақидаги саволга жавоб тариқасида Шайх Муҳйиддин Аҳмад ибн Муҳйиддин ибн Ҳайдар ал-Кардарий ал-Хазарий²³⁷⁷нинг сўзларини батафсил келтириб у зотнинг хулосалари, тамаки ҳаромлигига фатво берган имомлар мужжаҳид эмасларга, уларга тақлид қилиб эргашсак. Ёинки, бу имомлар мужтаҳидларнинг оғизларидан тўғри эшитмаганлар ва уларнинг китоблари ёки дафтарларида бу нарса собит бўлмаган. Зероки фуқаҳоларнинг қоидалари бу борада шориъ (Аллоҳ, ё Унинг расули) ҳаром қилмаганига қаратиб суянадилар. У нарсани тановул қилиш шариатда маст қилувчи ёки ифлос бўлгани учун ҳаром қилмаган экан тамакида бу шартлар топилмаяпти. Қандай энди буни ҳаром экан, деб уларга асоссиз тақлид қиламиз. Агар уни манфаатсизлиги собит бўлса шунда унинг ҳаром эканига фатво бериш жоиз бўлади ва илло уни асли мубоҳ нарса, ҳаром эмас, деб аслга қайтсак шунда мусулмонлардан хараж ва машаққатни узоқлаштирган бўламиз. Чунки буни чекиш ишлатишга кўпгина кишилар мубтало бўлган шунда ҳалол дейиш ҳаром дейишдан осон бўлади. Агар буни бидъат деса, тўғри бу бидъат, лекин динда қайтарилган бидъатлардан эмас, буни истеъмоли бидъат янгилик бўлаяпти. Лекин буни назарда тутган киши (муаллиф) бунга ҳомий ёки шарафдор ҳам эмас. Зероки, Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи вассалам икки ишни ўртасига тушмасдилар, магар тушсалар осонини ихтиёр қилардилар (агар гуноҳ бўлмаса). Энди баъзиларини табиатга мувофиқ келмаса ва унга зарар булса, у учун ҳаромдир. Даволаниш мақсадида унинг табиатига зарар бўлмаган тақдирда унга рағбатлантирилади. Аммо зарари ҳам фойдаси ҳам аниқ бўлмаса бу ҳолатда мубоҳ бўлади. //47^b Мутаассиб бўлмаган ва инсофли киши бу вароқларни мутолаа қилганидан кейин ҳолатнинг ҳақиқатига тўхтаб билиб олади ва хабардор бўлади, деб ўйлаймиз. Қалбига равшанлик нури порлайди, деб ўйлаймиз. Биринчи бобда келтирган нарсаларнимиз мана шулар эди. Пайғамбарлар саййиди Муҳаммад салоллоҳу алайҳи вассаламга дурудлар бўлсин!

Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсинки, бандаларига европалик табиблар воситаси билан чечакка қарши эмлаш вакциналарни бир неъмат қилиб чиқартириб қўйди. Европалик табиб ва ҳақимлари бу эмлашни кўп марта тажрибадан ўтказиб кейин халққа тарқатиб машҳур қилишди. Шунинг учун бунга ўхшаш дардларни даволаш учун шифохоналарга мурожаат қилиш керак. Баъзи жоҳиллар бу нарсаларни фойдали, таъсирли эканига қарамай шифохоналарга мурасасиз келишмайди. Яна ўзларини таваккал қилувчилардан, деб ҳисоблашадилар. Ваҳоланки, таваккални маъносини билишмайди, нима эканлигини ва қандай ишлатишни билмайдилар. Мисол учун фараз қилайлик, каттиқ чанқаган пайтда ва қорин очикқан вақтда муздеккина сув ва нонга қодир бўлиб турган одам таваккал қилган бўлса бундай кимсаларни ҳеч ким таваккалча ҳисобламайди, балки гуноҳкор бўлиб ўлиб кетиши мумкин.

// 48^a Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи вассалам ўзининг раҳм қилинган умматига даволанишни сўзлари билан ҳам, амалда қилиб бажарган феъллари билан ҳам тавсия қилиб буюрганлар. Зероки, ҳадиси шарифда:

«Эй Аллоҳнинг бандалари даволанинглари, чунки Аллоҳ таоло ҳеч бир дардни яратмади, магар уни давосини ҳам яратган. Магар заҳар, қарилик ва ўлим дардларига даво йўқ». Бошқа ҳадиси шарифда: «Қора седана барча дардга даводир, магар ўлимга эмас».

Бу ҳадислар Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг қавмий (сўзлари билан айтган) ҳадислари эди. Аммо феълий ҳадислар эса: Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи вассалам Уҳуд тоғида бир жароҳатга буйрани куйдириб, қўлини суягини устига суртиб даволаганлари келтирилади. Бу ҳадис имомлари наздида машҳур ҳисобланади. Ушбу ҳадисни яна Муҳаддисларнинг ишончлийларидан саналган Жамолиддин Харавий «Равзат ул-Аҳбоб» китобида келтирган.

«Фусули Иمودий»²³⁷⁸ китобида келтирилишича Мусо Алайҳиссалом бемор бўлганда Бани Исроил уламолар фалон давони ишлатсанг тузалиб кетасан дейишганда Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таоло давосиз шифо бермагунича даволанмайман, деб айтган. Сўнгра беморликлари узоққа чўзилганда, қавми яна даволанишга чақирди. Бу зот яна бош тортганида Аллоҳ таоло ваҳий қилиб, Иззатим ва Жамолимга қасамки то даволанмагунингча //48^b шифо бермайман. Шунда Мусо алайҳиссаломнинг нафсларига кўрқинч тушганда Аллоҳ таоло яна ваҳий қилиб «Эй Мусо ўз таваккалинг билан мени яширган ҳикматимни ботил қилмоқчимисан!». Яна набийлардан бири ўзида пайдо бўлган иллат учун Аллоҳ таолога шикоят қилганда тухум ейишга, бошқаси шикоят қилганда гўшти ейишга амр қилиб буларнинг сабаби кам овқат ейишдан, деб айтган экан. Яна бир қавм ўз пайғамбарларига келиб болаларининг хунук суратларидан шикоят қилганларида Аллоҳ таоло ваҳий

²³⁷⁷ Хоразмлик фақиҳ олим. «Ҳидоя» асарига шарҳлар ёзган.

²³⁷⁸ Фусули Иمودий – Жалолиддин Иمودийнинг асари.

килиб ҳомиладор аёллар уч ойлик ёки тўрт ойлик пайтларида беҳи мевасини ейишсин, деб буюрган. Булардан маълум бўладики, сабаб бўлувчи нарсаларни сабаб қилувчи Зот бу даволаш ёки даволанишда ҳам Ўзининг ҳикматини намоён қилиб сабабларни бўйин синдириб қўйди. Ўз қудрати билан шунинг учун очликнинг давоси бўлиб нон сабаб бўлади, ташналикнинг давоси бўлиб эса сув сабаб бўлади. Сафро касалига сиканжабин, исҳол касалига сақмуниё (даво бўлади].

Буларда шунчаки, нон ва сувни очлик ва чанқоқликка даво бўлишини барча билса сафро касаллигига сиканжабин даво бўлишини баъзи хослар билишади. // 49^a Аммо бу нарсалар ҳам тажрибадан ўтса тезда машҳур бўлиб танилади ва бўйсунувчи Зот Аллоҳ таоло буларни ҳам сабабчи қилиб қўяди. Ўзининг қудрати камоли билан бу нарсалардан фойдаланиб ишлатишда ҳеч қандай нотўғрилиқ ёки ёмонлик йўқ. Бу нарсаларни сабаб қилувчи Зотга эътибор бериб қараш керак, тибб ёки табибларга эмас.

Аллоҳ таолога ҳамду санолар. Мавломиз алайҳиссаломга дурудун саловатлар ва аҳли байти саҳобаи каромларга ҳам саломлар бўлсин!

1323 ҳижрий йил жумода ас-соний ойида(4 июль-3 август), милодий йилнинг 1905 йили Қўқон шаҳрида таҳрир қилинди.

Асарнинг ҳошияларида ёзилганлари:

Балое шуд тавил аз ин шўру фитнайи зоҳид,
Ба мардум дар ниҳода меҳнату андуҳ аз шаш сў.
Чу соли қатли шайхи беҳирад жустам хирад гуфта,
Бижў таърихи салбаш аз замони «фитнахези сў».
[Шу бир зоҳид шўру фитнасидадан жуда чўзилди балолар,
Халққа олти томондан меҳнату қайғу тегди.
Бу беҳирад шайх қатли йилини сўрадим, хирад деди:
Унинг қатли таърихини «Фитна солувчи замонадан» изла]

Дигар:

Килки Тойиб пайи таърих рақам зад аз ҳадис,
Ҳоли ошuftайи накбатзада нодон шайх.
Сарф шуд нақди ҳаёташ ба бинойи тазвир,
3-ин жаҳон суд надиду хатт магар хусрон шайх.
Фитнайи ноима бедор намуду ба жазо,
Мурд муставжиби лаънат бадал шайтон шайх.
[Таърих учун Тойиб қалам урди ҳадисдан,
Нодон шайхнинг баҳти қаро ошифта ҳолидадир у.
Унинг бутун умри найранг биносини қуришга сарфланди,
Бу жаҳондан фойда кўрмади, магарки фақат зиён кўрди.
Яширин фитнани кўзгалди, жазо кўриб,
«Ўлди лаънатга лойиқ шайтон шайх»]

Рубоий:

Шайхе ки ридойи макр бар гардан дошт,
Аз чархи риёву дук шамъаву фан дошт.
Ва зи хандаву бадбўй суханрониҳо,
Гўзидан софу ридан аз даҳан дошт.
[Макр ридосин бўйнида бўлган шайх,
Риё чархи ва дукидан найранг фанларини ўрганди.
Кулиб сўзлашлари ва сасиқ гапларидан,
Оғзидан сасишу нажас ҳиди келарди]

(Дигар)

Чун маржаъи жамъи ҳайвон гардиди,
Худро аз кибр қутби олам диди.
Сад тез ба риши ту, ки аз куни хари,

Бар хони фароғати жаҳоне риди.
[Барча ҳайвонларни йиғдинг сан,
Кибрдан ўзингни олам қутби деб билдинг.
Соқолингга с...й, эшаксан,
Бир олам роҳатнинг белига тепдинг]

(Дигар)

Шайхеки наёфт баҳра аз илм нахуст,
Аркини амал насозад аз саъй дуруст.
Тойиб, марде ки қутби олам буд диди?
Дидам, ба сажжодайи худ риду нашуст.
[Аввалбошда илмдан баҳраманд бўлмаган, шайх,
Амал арконларини саъйу ҳаракат билан ҳам тўғирлаолмайди.
Тойиб, сен олам қутби бўлган сумбодни кўрганмисан?
Кўрдим, ўз жойнамозини расво қилиб, ювмади ҳам]

Фард:

Пир агар ину каромот ин ки шуд аз вай паид,
Мухлиси кўйи муридам к-ў ба риши пир рид.
[Пир шу бўлса, кўрсатилган каромати бу бўлса,
Мен ўз пирининг соқолига ч...ган муриднинг мухлиси ман!]

XI. Мулло Олим Махдум Ҳожи Абдулқосимов. ТАРИХИ ТУРКИСТОН²³⁷⁹.

Бисмиллоҳи-р-рахмони-р-рахим.

Ҳамд ва сипос ул Подшоҳақим, муқтазои ояти каримаи «қулиллаҳумма малик ал-мулки» сиёсати мамлакат тағайюр ва заволидин масун ва махрусдир, «Ту’ти-л-мулка ман ташаау» (яъни, сен истаган кишинга мулк ато қилурсан)²³⁸⁰ неъматидин жалол, аҳадиятидин шамъи «ва танзиъу-л-мулка ми-м-ман ташаау» (яъни, истаган кишиндан бу мулкни тортуб олурсан)²³⁸¹ васфи бақои зотидин намуна. Подшоҳедурким, султони аср ва ҳокони даҳрлар ажз ва ифтиқор ила онинг даргоҳининг мазаллати хокиға юз қўядурлар ва ҳокони баланд иқтидорлар илоҳиёт боргоҳининг остонасига тазарруъ ва тахашшуъ илқини кўтариб илтижо ва илтимос қиладурлар:

Сари подшоҳони гардунфароз
 Ба даргоҳи ў бар замини ниёз.
 Мар ўро расад кибриёву мани,
 Ки мулкаш қадимаст, зоташ ғани.
 [Дунё улуғ подшоҳлари,
 Унинг даргоҳида бош эғиб хизматдалар.
 Буюклик ва ман-манлик Аллоҳ га ярашади,
 Унинг ҳукмронлиги қадим ва зоти эса бойдур]²³⁸².

Ва салаллоҳи ала хайри халқиҳи Муҳаммад ва олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин.

Баъд, арбоби донишларға махфий ва пўшида бўлмоғанким, тамоми каломи мажиди раббоний ва фурқони аъзаму мўъжизоти Муҳаммадий уч қисмга мунқасимдур: аввало, тавҳиди Худовонди жалла жалолуҳу, иккинчи шариати Муҳаммадий, салаллоҳи алайҳи васаллам, учинчи, уммати муҳаммаддийларнинг аҳвол ва ахборотлари. Мундин мақосиди мутақаддимийларнинг аҳвол ва ахборотлариға илм пайдо қилмақдур. Бу илми тарихнинг афзаллигига далили кофий ва шофийдур. Илми таворихнинг фойидамандлигига тамоми фирқа муттафиқ ар-ройдурлар. Аксар тавойифи умам балки, тамоми аҳли олам бу илми амалга қўйуб, гумоштагонларингдин ривоят ва ҳикоятлар қилиб онинг ўзлариға далил қиладурлар. Хусусан, тавойифи атроқ [турк тоифалари] ва ўзбеклар ўтган уруғ ва қабилаларини ёдда тутмоқға ғоятда жидду-жаҳд қиладурлар. Аммо бизнинг Туркистон сартиялари тарихга кўп аҳамият бермай, икки-уч отадин илгари ўтган салафларни ва аларни, замоналаридаги ҳикоёт ва воқеотларни асло билмайдурлар. Бинобарин, каминаи ҳечмадон [нодон] ажз ва қусуримни иқроор ва эътироф айлаб, саҳв ва қусури бўлса хонандаларини афв қалами илан тасҳиҳ ва дуруст қилмоқларини рижо ва илтимос умидида Фарғона ва Хўқанд хонлари ва оларнинг аҳволотларини баъзи таворихлардин ва кўҳансол [қари] одамлардин ва ҳам худ камина ўзим эшитган ва кўрганларимни содда ва расмий чиғатой турк тилида мусаввада [қоралама] айлаб «Тарихи Туркистон» ном қўйуб нашриға шуруъ қилдим. Аллоҳ таоло муваффақ айлаб итмомига [яқунга] еткурмоқни муяссар қилғай, токим туркистонлик биродарларимиз Фарғона хонлари, оларнинг замонлари ва воқеотлари ва Русия давлати азимаси тобеъ бўлгондин эллик йил муддатда бўлгон аҳвол ва атворимизнинг [хулқимизнинг] қандай тағайюр [ўзгаргани] ва табдил ва тараққийсиға мулоҳаза айлаб, наъм ул-инқилоб натижасиға ибрат кўзи илан қилсалар экан деб, ва биллоҳи тавфиқ.

Фарғона вилоятида таворихларда(н) маълум ва машҳур(и) Андижон ва Ўзганд ва Аҳси қадимги ва эски шаҳар бўлуб, Чиғатой ва ўзбек хонлариға пойтахт эканлиги билинадур, лекин худи Хўқанд шахрининг энг аввалги биноти 300 йилдан зиёд бўлгон эмиш. Вақтики, Бобурхон²³⁸³ ўзбек хонлари илан Самарқанд музофотида муҳораба айлаб, мағлуб бўлуб, қочиб, алҳол Хўқанд шаҳри бино бўлгон мавзедаги катта сой лабига келганда фаросат илан топибдурким, бул жой сероблик ва обшорлик ва хушҳаво сабаблиқдин андак вақтда ободон ва катта шаҳар бўлса керак деб, алҳол Хўқанд шаҳриға

²³⁷⁹ Мирзо Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон / Сўзбоши ва изоҳлар Ш. Воҳидовники, араб ёзувидан табдил Ш. Воҳидов ва Р. Холиқованики, кўрсаткичлар Ш. Воҳидов Д. Сангированики. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.

²³⁸⁰ Қуръони карим. 3 : 26.

²³⁸¹ Ўша жойда.

²³⁸² Шеъринг порчаларнинг ўзбек тилига таржималарида асарнинг 1992 йилги нашридан (мутаржимлар Нурбой Абдул Ҳаким ва Тўлқин Алимардонов) кўп ҳолларда фойдаланилди.

²³⁸³ Бобурхон – Захир ад-дин Муҳаммад Бобур (1483-1530) - Фарғона ҳокими (1494-1500), Мовароуннаҳр учун урушлар олиб бориб, 1512 йили Самарқандни тарк этиб Кобулга қайтгач 1518-1525 йиллари Хайбар доводидан ўтиб Ҳиндустоннинг Панжоб вилоятига юришлар қилган. Ҳиндистонда Буюк муғуллар империяси номи билан шуҳрат топган бобурийлар давлатига асос солган (1526-1858), буюк саркарда ва давлат арбоби, таниқли шоир ва ёзувчи.

сув келадурғон катта сойдин ўтганда кўрибдурким, сойнинг икки тарафида кўп элатиялар ижтимоъ қилиб, кўниб ўлтурибдурлар. Муни кўриб Бобурхон кимхоб ва заррин либосларга ўралиб олтун бешикка бойланган бир боласини маҳали гузаргоҳга қўйиб, бир доно ва хушёр одамни ул бешик илан болага дидбон ва қоровул тайин қилиб, айтибдурким, то ушбу бола бирор одамни қўлига тушуб олиб кетгандин сўнгра бизларни орқамиздин етиб келурсан, деб тезлик илан ўз йўллариға жўнаб кетибдурлар. Ўшал вақтларда бул вилоятлардин ҳеч асар ва ному нишона йўқ бўлуб, дашту сахро экан. Лекин, сойни икки тарафида уч-тўрт жамоа, чунончи, *чанкант*, *сарой* ва *таргова*, деган уч гуруҳ халқ ўлтуруб, бир гуруҳи сойи Наймангача ва икки гуруҳи сойи Калонға тобеъ экан.

Бул уч гуруҳ халқ иттифоқ илан тўғон қилиб сув боғламоқ учун даштга чиқиб, мазкур сойнинг икки тарафи илан юруб, келарда кўрубдирларким, бир оз муқаддам кўп халқ ғарб тарафдин келиб, сойдин ўтуб, машриқ тарафға кетибдур. Ўзбеклар бул аломатни кўруб, эҳтиёт учун оларнинг кейинидин борсалар, йўлда бир олтин бешикда кимхоб, атлас ва заррин либослар илан ўралган бир ёш болани кўрибдурларким, мазкур болани анвойи жавоҳирот илан музайян қилинган экан. Ул уч тоифа халқ болани эъзоз-икром илан олиб ўз жойлариға қайтибдурлар. Бул болага қоровул бўлиб турган йигит бул аҳволни кўриб, хотиржамъ бўлиб, Бобурхонни кейинидин етиб, аҳволни баён айлабдур. Ўзбеклар олтин бешик илан болани олиб, йиғинларини бузмай, бир жойга жам бўлишиб, ўлтуруб, шул тарика маслаҳат қилибдурларким, бизлар уч тоифамиз, тифлни ва олтун бешикни ва жавоҳиротни уч тақсим айлаб қуръа солурмиз. Қуръада қайси нимарса ва қаю тоифаға тушса, ўшал нимарсани бенизо олсун деб, ҳаммалари қуръаға қарор бериб, қуръа солганда ёш бола жамоаи *таргова*га, жавоҳирот жамоаи *сарой*га ва олтин бешик *чинкант* жамоасиға тушиб, ҳар қаюлари ўз тақсимларига олиб, рози бўлиб, хурсандлик илан ўз жамоаларига қайтибдурлар.

Андин кейин жамоаи ўзбеки *таргова* мазкур боланинг тарбиятига кўшиш айлаб бир муттақи ва порсо заифага топшурубдур. Ул заифаи оқила боланинг тарбият ва парваришидан заррае тағофул ва бепарволик қилмай, хуб диққат илан тарбият қила бошлабдур, чунки, ул баччанинг асл насаби ҳақидаги ҳақиқатни ўзбеклар хуб таҳқиқ айлаб билган эканлар.

Боланинг номини Олтун бешик қўйибдурлар. Охири ҳадди балоғатга етишгондин кейин тааллуқдор қилиб бир хушрўй ва соҳибжамол қиз олиб берубдурлар. Андин бир ўғил фарзанд таваллуд топиб, номини Султон Элик қўйибдур. Ул ҳам балоғатга етгандин сўнгра ўйлантирубдурлар. Андин ҳам бир ўғил фарзанд бўлиб, номини Султон Худоёр қўйиб, ул ҳам болиғ бўлганида уйлантируб, андин ҳам бир ўғил фарзанд таваллуд топиб, номини Муҳаммад-Амин қўйиб, ул ҳам балоғатга етгандин кейин, хотун олиб, андин бир ўғил таваллуд топиб, номини Абу-л-Қосим қўйиб, ул ҳам болиғ бўлиб, уйлангандин кейин андин бир ўғил фарзанд таваллуд топиб, онинг номини Шоҳмастбий қўйибдурлар. Алҳол Чамашбий номи илан Фарғона аҳолилари орасида машҳурдур. Шоҳмастбийдин Шоҳрухбий ва андин Ҳожибий ва андин Ашурбий таваллуд топиб, Ашурбийдан иккинчи Шоҳрухбий таваллуд топибдур. Олтун бешик илан бу Шоҳруххон миёна (ўрта)сида ўн пушт абову аждод икки юз йил муддатда ўтиб, Шоҳруххон олами вужудга келиб, шу ўзбеклар орасида тарбият топиб, ҳадди балоғатга етганидан кейин онинг жабҳасидин шукуҳу давлат ва шижоат зоҳиру намоён бўлуб, ҳамиша шикор қилмоқға ва асб(от)у-аслаҳа ва тиру камон ила машғул бўлар экан.

Ўшал вақтдаги ўзбеклар нақли бўйича иттифоқо бир подшоҳ ба тарикаи шикор [ов учун] бул вилоятға келибдур. Ул вақтда Шоҳруххон ўн саккиз ёшда экан. Шикорнинг қизиқ вақтида бир йўлбарсни найза илан ярадор айлаб, сайд қилиб, подшоҳға манзур айлаб марҳамат ва шафқат ва муқаррам ҳурматға мустаҳиқ бўлубдур.

Подшоҳ анинг ғайрату шижоат ва мардоналигини кўриб, лутф ва марҳамат айлаб, ўшал музофотнинг ҳукмронлигини Шоҳруххонга тортиқ айлабдур. Шоҳруххон ҳукмдорлигини ибтидосидин охири умригача Таргова ва Чамашда умр ўткариб, ҳукумат юргизиб, вафот қилибдур. Андин Абдурахимбий²³⁸⁴ ва Абдулкаримбий ва Шодибий деган уч ўғил олами вужудга келиб, улуг ўғли Абдурахимбий онинг ўрниға хонлик мансабиға ўлтуруб, Хўқанднинг қалъаю арк ва эски кўрғонини бино қилибдур ва баъзи ўзбеклар сўзи бўйинча Хўқанд шаҳри аввал вақтларда тартиб топмай Чодак мавзеида хўжа²³⁸⁵ жамоалари туруб, баъзи атроф жониблардан, чунончи, Таргова Чамашбий, Чанкат ва Пиллахон ва Тўқайтепа ва Пурнок ва Тепақўрғон ва Қайнар, буларға ўхшаш бошқа бир неча кентлар оларни таҳти ҳукуматларида бўлуб, хўжалар ҳукмронлик қилар эканлар.

²³⁸⁴ Бий – уруғ ва қабиланинг пешвоси, бошлиғи.

²³⁸⁵ Ўрта Осиё, жумладан хўжалар биринчи мусулмон араб муҳожирларидан тарқалган авлод. Чодак хўжалари Махдуми Аъзам авлодига насаблари бориб тақаладиган авлод.

Ўшал мавзеда барча ўзбеклар бир тўйда жамият айлаб, оқил ва фаросатликлари шул тарика маслаҳат қилишибдурларким: «Бизлар бул катта сойни атрофида бир неча қишлоқ ва кўрғонлик халқмиз. Лекин орамизда мустақил ҳукумат қиладурғон бирон ҳукмронимиз йўқ. Бизларга лозимдур бир мансабга лойиқ ва сазовор одамни ўзларимизга ҳоким ва соҳиби ҳукм қилиб, подшоҳ ва пешво қилсак», деб ҳаммалари бул маслаҳатни истиҳсон айлаб, қабул қилишиб айтибларким: «Олтун бешик насли Чамишбий авлодидин Шоҳруххон Ашурбек ўғли ўз ўрталаримизда мисли подшоҳзодалардек, доимо инъому-эҳсон ва мурувватни бизларни баримизга дариг тутмай, ҳамма вақт хусни-хулқ ва муомалалик илан орамизда машҳур ва маълумдур. Умид қиламизким, салтанат маснадиға ўлтургандин кейин ҳам бизларни баримизга инъому-эҳсон ва марҳаматини зиёда қилса керак». Салтанат хусусида кўп маслаҳатлар қилишиб айтибдурлар: «аввало Шоҳруххонни шоҳ кўтариб, ондин сўнгра Чодак хўжаларига хуруж қиламиз». Ҳаммалари иттифоқларини бир жойга муқаррар қилишиб барча ўзбекни куҳансол ва мўйсафидлари Тарғова мавзеиға йиғилиб Шоҳруххонни хон кўтарибдурлар²³⁸⁶.

Ондин кейин ўзбеклар маслаҳат топиб ўз ораларидан бир қизни Чодакда ҳоким бўлиб турган хўжага номзод қилиб, домод айлабдурлар. Хўжалар бу ишни қабул қилиб тўй асбоби лавозимотларини тайёрлаб дарёдин ўтубдур. Бул тарафда ўзбеклар оларнинг истиқболлариға чиқиб эъзоз ва икромлар илан хўжаларни бир яхши жойга кўндуруб, куёв илан биргалашиб келган қирқ нафар йигитни бир-бирдан ўзбек расмларича тақсим айлаб, меҳмон қилмоқ учун уйларига олиб кетиб, куёв бўлмишнинг хизматиға бир неча ўзбекларни тайин қилиб қўйиб, лозимоти меҳмондорликка шуруъ қилубдурлар. Таомдин фориғ ўлгандин сўнгра ўзбеклар бир жойга йиғилишиб маслаҳат қилибдурларким, вақтики куёв чодир (чимилдиғ) га кирган вақтда бир қурук ходани дарахт шоҳиға маҳкамлаб тортиб синдирамиз, онинг овозини эшитган вақтда ҳар қаю ўзбеклар ўз уйидаги меҳмонни ўлдурсун. Куёвни чодирда ўлдирамиз деб маслаҳатни шунга қарор бериб, охир ул-амр бул тарика тадбир илан хўжани қирқ йигити илан ўлдуруб, бироқ аслаҳаларини олуб Шоҳруххоннинг бошиға туғ ва байроқ кўтариб, ҳамма ўзбеклар жамъ бўлуб, Сирдарёдин ўтуб, тезлик илан келиб Чодакни олиб, Чодакдаги асбобу олоти сипоҳигарлик, хазина ва бошқа асбобу ашёларни таҳти тасарруфларига олибдурлар. Ўшал тарафнинг ҳамма аёни вилоятлари то Наманган сарҳадигача тортуғ ва пешкашлар ила келиб, Шоҳруххонга манзур бўлибдур.

Шоҳруххон уларнинг ҳар қаюлариға муносиби аҳвол ва қоидаи русуми подшоҳи шафқат ва марҳамат илан жома ва сарупо инъом айлаб, руҳсат бериб, раёё [ўтроқ] ва бароё [кўчманчи] аҳлиға адлу эҳсон айлаб, Наманган сарҳадидин то Шаҳидон ва Понсод ғозийғаким, алҳол Понғоз деб аталадур, ҳукуматини жорий қилиб, илгари бўлиб турган бидъат ва ёмон расму таъомилларни барҳам бериб, ул вилоятга волий ва ҳоким тайин айлаб, фатҳ ва нусрат ила қайтиб, ўзбек ва сартияларнинг энг аёло ва машҳур мавзеларидин Тарғова ва Чамашбийга келиб тушубдур. Ул вақтда ҳам ўзбеклар жамиятларини пароканда қилмай ҳукуматдорлик ишлари хусусида маслаҳат ва машваратлар қилишиб, охири шул тарика қарор берибдурларким, душман ва ҳосидларнинг шарридин эҳтиёт ва сақланмоқлиғ ва шавкату ҳашамат ва салтанатни мустаҳкам ва барқарор турмоқлиғи учун қалъаи жадид ва аксари ҳадиди мазбут ва мустаҳкамни барпо қилсак, зероки умури салтанат бе қалъа ва бе арк муяссар бўлмайдур деб.

Қитъа:

Салтанат боғест, бе девор ҳифзаш мушкил аст,
 Бар сари он бе синони хор ҳифзаш мушкил аст,
 Хору синону сидқи дил мебояду бедор чашм
 Шоҳро бе сидқу бе тимор ҳифзаш мушкил аст.
 [Салтанат боғедур, деворссиз уни сақлаш қийин,
 Бу девор устини наштарли тиконсиз асраш қийин.
 Тикону садоқатли кўнгил, ҳушёрлик керак,
 Сидқу ғамхўрлик бўлмаса шоҳни асраш қийин].

Одами кордон [ишбилармон] ва ҳушёр, тажрибакорлардин бир нечалариға амр қилинибдурки, ўрда ва кўрғон қилмақ учун бир яхши ва муносиб жой топинглар деб. Олар кўп жой ва мавзеларни қараб кўруб охири икки сойни қўшиладурғон жойики, алҳол Эскикўрғон ва Кўк тўнлик ота деб айтадурлар²³⁸⁷, ўшал мавзени шаҳар бўлмоқға муносиб фаҳмлаб маълум қилганда, аркони давлат ва аёни вилоятлар ҳаммалари ба иттифоқ сойни шарқ тарафиким, алҳол маҳалаи Боғбонон деб атадур

²³⁸⁶ Шоҳрух (аслида Шоҳрух II) 1121/1709 йили хон кўтарилди ва 1134/1721 вафот этган.

²³⁸⁷ Бугун Кўқон шаҳрининг шимол-шарқида, газ захиралари пунктида жойлашган Кўк тўнлик азизлар мазори.

шаҳр бино қилиб, икки сойни ўртасига Қўқ тўнлик азизлар мавзеига жарикасига ўрда ва арки мустаҳкам барпо қилиб ҳамма аркони давлат ва аёни қурбатлар аркни атроф жавонибиға ҳовли ва иморатлар бино айлаб, ўзлари учун хона ва манзил тартиб қилиб, андак фурсатда бул шаҳар ва арк иморатларини тайёрлаб, яхши кун ва соати масъудда ҳамма аёни вилоят ва аскар ва фуқаро ва хосу ом жамъ бўлуб, Шоҳруххонни подшоҳона либослар илан музайян айлаб, эъзоз ва эҳтиром илан подшоҳ кўтариб, тахтга ўткузуб, ала кадр ал-хол нақдиналарини подшоҳларининг бошлариға нисор айлаб ва хайру худойилар қилишиб муборакбодлик қилишибдурлар. Андин кейин машойиху уламо ва фузало ва акобири вилоятлар келишиб, қайтадин табарукан деб, оқ намадга кўтариб, Шоҳруххонни хон кўтаришибдурлар.

Шоҳруххон оларнинг ҳар қаюлариға муносиби аҳвол сарупо инъом айлаб, қайтмоқлариға рухсат берибдур. Улуғларга ўрда ва аркнинг ёнидан ҳовли жой бериб, ҳар қаюлариға ба қадри истеъдод вазифа тайин қилибдур. Шоҳруххонни аввал мартаба Хўқандға хонлик маснадиға ўлтурганлигини тарихи хижрийда 1121/1709 йили экан. Бир шоир бул тарихни «3и Шоҳрух жў» [Шоҳрухдан қидир] иборатидин топибдур.

Хулосаи калом, Шоҳруххон 12 йил хонлик қилиб 13 - йилда вафот қилибдур. Машхур намангонлик Машрабни пири Шайх мулло Бозор Охунд Намангоний ул хонга ҳамаср эканлар.

Шоҳруххондин уч ўғул таваллуд топиб, аввали Абдурахимбек, иккинчи Абдулкаримбек, учинчи Шодибекдур.

Шоҳруххонни вафотиға мусаннифи «Тарихи Шоҳрухий»²³⁸⁸ форсий забони(тили)да шул тарика тарих этилибдур:

Ёфт тахти салтанат зеб аз улусаш ибтидо,
Кўси шоҳиро ба номи ў бизад лутфи худо.
Тожи шоҳи сарбаланди ёфт аз фарқи сараш
Дар мулк андохт ғулғуле кўс аз хўши садо.
Шоҳидони мулку қасру тахт аз ў зиндаги,
Ёфт мустағни шуда аз ҳусни эҳсонат гадо.
Чархи гардун бар муроди чарх зад даҳ ду сол
Бевафои ройи худ, лозим бигардад мо адо
Шоҳи фаррух бархурд охир зи боғи зиндаги,
Тарки тожу тахт карду карда аз олам зиво.
Расми шоҳи сарфарозиро зи авлодаш гузашт
Рафт аз олам шунида «аржаъ» гўён нидо.
Эй Ниёзий, соли фавташро бижў аз хирад,
Токи аз ойинаи тарих гардад занг зудо.
Инчунун пири хирад гуфт тарихи султони турк
«Вақти рихлат хон Шоҳрух шуд аз атрокон жудо».
[Тахтга ўлтурди чирой топди ўшал дам салтанат,
Лутфи Худола, чалинди ноғорайи шоҳлик анго.
Сервиқор бўлди унинг бошида тожи шоҳ,
Келди ларзага жамии мулк, чалганда садо.
Мулку қасру тахтга шоҳид бўлганлар кўриб яшар,
Анинг хайр эҳсонидин бой бўлиб неча гадо.
Айланиб маромида ўн икки йил чархи замин,
Топди хўп минг бирла доим хиёнаткорлик жазо.
Кетди дунё боғидин шоҳи фаррахманд келиб,
Тожу тахтни этди тарк бўлган экан умри адо.
Мардона шоҳлик расмини қолдириб авлодиға,
Кетди оламдин эшитиб яхши сўз, ҳамду сано.
Баён қилғил эй Ниёзий, вафот йилини аниқ,
Токи тарих ойнаси зангдин бўлсин тез зудо (тоза).
Шул тарика турк султони тарихин айлаб баён,
«Вақти рихлат хон Шоҳрух бўлди турклардин жудо»].

Лафзи «атрок»ни «хон Шоҳрух»дан ихрож қилинганда тарих, яъни 1124/1712 йил ҳосил бўлар экан²³⁸⁹. Яна баъзи зурафолар: Шоҳруххон вафоти тарихи ҳақида баъзи алфозлар мулло Бозор

²³⁸⁸ Муҳаммад-Ниёз Хўқандий қаламига мансуб асар. Қаранг: Бейсембиев Т. К. Тарих-и Шахрухи как исторический источник. Алма-Ата, 1987.

Охундни муридлари оғзидин чиққан экан, моддаи тарих топибдур. Онинг ҳикояси шул эканким, вафотиға Шоҳруххон Хўқанд шаҳрининг қалъа ва арк биноларида намангонлик мулло Бозор Охундни муридларидин бир одамни мардикор қилиб ишлатиб юрган экан. Бу хабарни мулло Бозор Охунд эшитиб они халос қилмоқ учун Хўқандга келиб Шоҳруххондин ул муридларини илтимос қилган экан.

Хон илтимосларини рад қилибдур. Шайх хондин хафа бўлуб қайтиб, Қоровултепада бир муридларининг уйиға бориб, деворға Шоҳруххон тасвирини тортиб, ўқ-ёй ила ул суратга қараб отиб, мизбонга айтибдурлар «Шоҳрух мурд» деб, (яъни Шоҳруххоннинг ўлганлигини баён қилибди).

Бу ҳодиса пайшанба куни жума кечаси экан. Ўшал жума куни хонни китфига бир ёмон яра чиқиб вафот қилибдур. Бир неча кундан кейин мулло Бозор Охундни бир муридлари Қоровултепага, ўшал уйға қўнганда соҳиби хонадон ҳодисани баён қилиб, шайх жўнаганлари ҳамоно хон вафот қилди дебдур. Анда ул сўфии жоҳил «хирс ки мурд», деган экан, ул мезбони зариф бул иборатни ҳисоб қилиб кўрса, моддаи тарих тушубдур.

Бул тарихни айтгувчи муаррих узр баён қиладурким, бул ҳикоя ва тарихни баён қилганимдин муддао [мақсад] тоифаи аҳлуллоҳни дилларини озурда қилмоқлик аломати интиқол ва заволи умр ва мулку давлатдур. Минбаъд хони замонларга ибрат учун бул ҳикояни баён қилдим.

Шоҳруххон вафотидан кейин онинг катта ўғли Абдурахимхон онинг ўрниға хон бўлибдур²³⁹⁰. Мазкур Абдурахимхон ҳушёр, оқилу доно ва соҳиби тадбир экан. Онинг асрида Бухоронинг ҳукмронлик ишлари бениҳоя заиф ва беқувват ва бесаронжом илан, ҳукуматдорлик тадбир ва маслаҳатларидан билқулли йироқ тушган экан. Бул вақтни ғанимат фаҳмлаб, Абдурахимхон ўзбекия ва сартиялардин қарийиб йигирма, ўттиз минг аскар тартиб айлаб, Хўжанд тарафиға азимат айлабдур. Бир кеча кундуз жадал ила юруб Хўжанд шаҳриға етиб саҳар вақтида Хўжанд шаҳрини мусаххир қилиб, Хўжанд ҳокими Оқбўтабийни дастгир айлаб, ул шаҳарнинг аъёни ва ашрофи вилоятлариға навозиш ва марҳаматлар қилиб, ҳар қаюлариға муносиби аҳвол мансаб бериб, Хўқанд шаҳриға бозгашт қилибдур. Иккинчи йил янгитдин аскар тўплаб, тартиб этиб Ўратепа шаҳриға бориб, муҳосара айлаб, они ҳам фатҳ қилиб, Қалик номлиб Ўратепа ҳокимини дастгир айлаб, фатҳ ва нусрат илан Хўқанд шаҳриға қайтибдур. Ва бир неча йилдин кейин [1145/1732 йили] яна кўп аскар жамъ айлаб Самарқанд тарафиға равона бўлуб, андак фурсатда Самарқанд шаҳриға етиб, шаҳарға яқин жойға қўнуб, шаҳарни муҳосара қилибдур. Бир неча кундин сўнгра мусолиҳа илан шаҳарға дохил бўлуб, Самарқанд шаҳридаги умаро ва уламо ва фузалоларға инъому эҳсон айлаб, бир неча кундан кейин Шаҳрисабз волийси Олимбек ваннаъмий (валинеъма)га элчи юбориб, онинг қизини ўзиға талаб қилибдур. Валлаъмий ҳам элчиларға эъзоз ва икромлар кўрсатиб, бир неча меҳмондорлик лозимотини бажо келтуруб, тўй асбобини саранжом айлаб, ўз қизини бир неча хос заифалар илан тажаммул айлаб юборибдур. Ва бул хушxabарни Самарқанд шаҳрида Абдурахимхон эшитиб, оларнинг истиқболига ўз ҳарамларидан қанча заифалар юбориб, Самарқандга олиб келиб, бениҳоя тўй-томоша илан никоҳ айлаб, бир неча кун Самарқандда туриб, ондин Хўжанд шаҳриға қайтиб келибдур. Вақтики, Абдурахимхон Хўқандға келгандин кейин амири Бухоро келиб, қайтадин Самарқандни олибдур. Бул хабарни эшитиб, амири Бухорони олдиға қарши чиқмоқ нияти илан Абдурахимхон кўп кўшун илан Хўжанд шаҳриға борибдур. Лекин, амири Бухоро Самарқанддин бул тарафға қараб юриш қилмагонини билиб, Хўжанд шаҳрида бир неча кун таваққуф айлаб «ва моиндари нафс ба вай арз намуд»[нафс ўгай онаси унга вафо қилмади] мазмунича, Хўжанд шаҳрида Абдурахимхон вафот қилибдур. Муддати салтанати ўн икки йил бўлибдур. *Тарихи* вафоти Абдурахимхон:

Чун Раҳимхон ба мулки Фарғона
Соҳиби тахту тожу афсар шуд.
Баъд аз шоҳи даҳу ду сол
Мулки фони бир ў муқаррар шуд.
Рафт аз олам ў ба дасти тихи,
Золи фартут, арўси дигар шуд.
Гуфт тарихи ў хирад ҳам чун,
«Дилу жонаш қарини мутахҳар шуд».
[Бўлди тахт соҳиби ва тож эгаси,
Раҳимхон Фарғона мулкида.

²³⁸⁹ Аслида Шоҳруххон милодий 1721 йили оламдан ўтган.

²³⁹⁰ 1134-1146/1721-1733 йй.

Шундан кейин ўн икки йил,
Яшади у бу фоний дунёда.
У оламдин ўтди бўм-бўш қўл билан,
Қартайганда кечирди ўзгача ҳаёт.
Шунинг учун ибратлидир унинг *тарихи*
«Дилу жони мутаҳҳар (жаннат) га яқин бўлди»].

«Жон» ни диликим «алиф»дур лафзи «мутаҳҳар»га дохил қилинганда моддаи тарих, яъни 1146/1733 ҳосил бўлур.

Абдурахимхон вафотидин кейин Шохрухоннинг иккинчи ўғли Абдулкаримхонни Фарғона тахтига хонлик мансабига ўтқузубдурлар²³⁹¹. Муддати олти йил хонлик маснадида ҳукмронлик қилгандин, сўнгра, аввалги *ўрда* тор ва танглик қилиб, алҳол Хўқанднинг Эски *ўрда* номлик жойига ўрдаи рафиъ ва шаҳри васиъ бино айлаб, атроф жонибиға қалъаи баланд барпо айлаб бир неча дарвоза қўйубдурлар. Чунончи, алҳол машҳур дарвозаи Қатағон ва дарвозаи Марғинон ва дарвозаи Ҳайдарбек ном қўйулгандур. Алҳол мазкур дарвозалар бу номлар ила маълум ва машҳурдир. Ўшал *ўрда тарихини* зурафолар «Мазҳар обод» топибдурлар. **Қитъа:**

Чунон донам ки он шоҳи накўзод
Бикард ин мулкро ў хуррамобод,
Ба таъмири бинои Эски ўрда,
Сабаб ў буд аз ў ободи рў дод.
Бикард ў арки оли манзари хуб,
Ба даври шаҳр ў кард қитъа бунёд,
Яке аз хуштабъони заки табъ,
Зи таърихаш инчунин ў посух дод,
Кунун таърихи соли Эски ўрда,
Агар пурси гўям «Мазҳар обод»
[Биламан, ул шоҳи накўзод,
Бу мулкни хурраму ободон қилди
Эски *ўрда* биносининг таъмир қилиниши,
У сабабчи бўлди, ундан ободлик пайдо бўлди.
У чиройли кўринишига эга арки олий бунёд қилди,
Шаҳар атрофига эса қалъа қурди.
Тоза табиатли хушёр кишилардан бири].
Унинг *тарихи* учун бир доно ва табъи хуш киши қуйидаги жавобни айтди.
Бугун сен Эски *ўрда* тарих йилини сўрасанг,
Бун «Мазҳар обод» деб айтаман].

Бу иморати ўрдаким, алҳол Эски *ўрда* деб аталадур таммом бўлгандан сўнгра анда кўчиб келиб, бул ўрдада Абдулкаримхон муддати ўн саккиз йил ҳукмронлик айлаб, охири дунё бевафолик айлаб, дор ул-фанодин дор ул-бақоға рихлат айлабдур. Вафоти *тарихи* Абдулкаримхон:

Чу он Абдулкаримхон ибн Шохрух,
Чунон буди ки ў мири Худо дод.
Ба соли ҳаждахум аз мулкдори,
Нидойи «иржаъ» аз ғайб дар дод.
Зи тарихи вафоташ гар ту дони,
Хирад ҳамчун бигуфт «сар» ба «қазо» дод.
[Абдулкаримхон ибн Шохруххон,
Худо берган бир (улуғ) амир эди
Ўн саккиз йил ҳукумат сўрагандан сўнг,
Гойибдан «иржиъ» (қайт) нидосини эшитди.
Вафотининг *тарихини* билмоқчи бўлсанг,
Хирад (ақл) «сар ба қазо дод» (бошини қазога берди) деб айтди].

Лафзи «сар»ни бо «қазо» иборатиға тушганида *тарих* ҳосил бўладур, яъни 1164 ҳижрий/1750 милодий.

²³⁹¹ 1146-1164/1733-1750 йй.

Абдулкаримхондин кейин онинг ўғли Абдурахимхон отаси ўрнига хон бўлуб²³⁹², тўққиз ой ўтгандин сўнгра, аёни вилоят иттифоқ айлаб, Ёрмазорга²³⁹³ элтиб, Марғинонга ҳоким айлаб, онинг ўрнига Эрдонахон Муҳаммад-Раҳимхон ўғлини хон кўтарибдурлар²³⁹⁴.

Абдулкаримхоннинг хонлик замонида Қайнар тарафдин қалмоқлар келиб, Хўқандни муҳосара қилганда, қалмоқдин ожиз келиб сулҳ тариқасида Муҳаммад-Раҳимхоннинг улуғ ўғли Бобобек деганни оқ уйлук ва гаровдек қилиниб қалмоқ ичига юборган экан. Абдулкаримхон вафотини қалмоқлар эшитиб Бобобекни Хўқанд тарафига юбориб айтибдурким: «Муҳаммад-Раҳимхонни улуғ ўғли Бобобекдур, хонлик мартабаси вилояти Бобобекка лозимдур». Бул хабарни эшитиб, ноилож Бобобекни Хўқандга хон кўтарибдурлар. Бобобек²³⁹⁵ муддати бир йил хонлик қилиб, бир йилдан кейин аркони давлат машварати илан Бешариқ мавзеига бирор баҳона илан қўшун қилиб чиқиб, ўшал мавзеда Бобобекни ўлдуруб, ўрнига қайтадин ўшал жойда Эрдонабекни хон кўтариб, Хўқанд шаҳрига қайтарибдурлар. Хўқанд шаҳрига келгандин кейин ҳамма уламо, фузало ва умаролар йиғилишиб, ҳаммалари би-л-иттифоқ қайтадин Эрдонабекни хонлигига иттифоқ қилишиб, дуо ва фотиҳа айлабдурлар. Эрдонахон Хўқанд шаҳрида муддати ўн икки йил ҳукмронлик қилибдур²³⁹⁶. Ул хони мутаваффо уламо, фузало ва аҳли футуватларнинг одоб ва эъзозларини лойиқинча бажо келтуруб, ҳукумат ишларига арбоби ақл ва донишлар илан маслаҳат ва машварат қилишиб бирор ишни бемаслаҳат қилмас экан. Ҳатто олинган шаҳар ва қишлоқларнинг ободонлигига кўшиш айлаб, жамии фуқаролар борасида шафқат ва марҳаматни дариг тутмас экан. Ҳамма раоё ва бароё онинг ҳукмронлигининг рози ва хурсанд эканлар. Сиёсатидин авфи ғолиб бўлуб, авсофи ҳамиди ва ахлоқи писандидаси илан барча дўсту душманни ўзига мутеъ айлаб, тинчлик ва хотиржамълик илан ўн икки йил ҳукмронлик қилиб, охир ба мазмуни «кули шайун ҳалик ал-авжаҳ» [бари нарсалар ҳалокатга маҳкум] дори дунёи бевафодин дори уқбоға сафар қилибдур. Хони мутаваффонинг вафоти тарихини мусаннифи «Тарихи Шоҳрухий»- Мулло Ниёз-Муҳаммад, шул тариқа топибдур:

Оқибат зери хок жойи ҳама,
 Шаш жихати олам гар ту ори рўй.
 Ҳосилат ғайри хок дигар нест,
 Жуфти хок шави ту зану шўй.
 Мешавад оқибат гадову шоҳ,
 Ихтилоташ ба хок чун куни бўй.
 Қадри шоҳу гадо ту гар жўи,
 Ҳар дуйи он барад зи хок ба жўй.
 Ту кунун к-ў зи хон Эри доно,
 Эй Ниёзи аз шаҳи хушхўй.
 Тарихи фавти хони фарзона,
 Ба хирад гуфтаманш ки бар ман гўй,
 Агар аз ман вафоти хон пурси,
 Ҳамчунон аз «вафоти хон бигўй».
 [Оқибатда ҳамманинг жойи тупроқ остидир,
 Оламнинг олти томонига борсанг ҳам (аҳвол шу)
 Оқибатнинг тупроқ бўлишидан ўзга нарса эмас,
 Хотин ёки эр бўлсанг ҳам, охири тупроққа жуфт бўласан.
 Гадо ёки шоҳ бўлса ҳам оқибатда,
 Худи гилу бўйдек, тупроққа аралашади.
 Агар сен шоҳу гадонинг қадрини изламоқчи бўлсанг,
 Ҳар иккисини қадрини тупроқдан қидир.
 Эй Ниёзий, сен бугун хон Эрдонадан,
 Бу хушфеъл шоҳдан гапир.
 Бу ботир хоннинг вафот йили *тарихини*,
 Хирад (ақл)га дедим: «мен учун айт!»
 Агар мендан хоннинг вафотини сўрасанг,
 «Аз вафоти хон бигуй» (хон вафотини айт) сўзидир].

²³⁹² 1164-65/1750-51 йй.

²³⁹³ Фарғона вилояти, Фарғона туманидаги қишлоқ. Хонлик даврида Марғинон ҳокимининг ўрдаси шу ерда бўлган.

²³⁹⁴ Унинг биринчи хонлик даври бир йил 1165-66/1751-52 давом этди.

²³⁹⁵ Тахминан 1167/1753 йили.

²³⁹⁶ Эрдонахон иккинчи марта 1167-1176/1753-1762 йй. хонлик қилган ва 43 ёшда вафот этган.

«Вафоти хон бигуй» хони мутаваффонинг вафотиға *тарих* тушубдур. (ҳижрий 1174 /1760-61 йили).

Эрдонахон вафот қилгандин кейин мажмуъи [жамии] ўзбекия ва сартия маслаҳати шул тарика қарор берибдурларким, Шохрухоннинг биринчи ва иккинчи ўғиллари Абдурахимхон ва Абдулкаримхон ва онинг авлодлари ўз навбатлари илан хонлик қилиб ўтдилар. Эмди навбат Сулаймонхон ибн Шодибекхонғаким, у Шохрухоннинг кичик ўғли Шодибекхоннинг тўнғич фарзандидур. Ворислик тариқаси илан хон қилиб тахтға ўтқузамиз деб барча иттифоқлашиб, хонлик маснадиға ўтқузубдурлар. Онинг хонликка салоҳияти ва қобилияти йўқ эканлигини ҳарчанд оқил ва доно вазир ва надимлар ислоҳи мамлакатга кўшиш қилсалар ҳам ҳеч иложи бўлмабдур. Аркони давлат ва аъёни мамлакат ночор ва ноилож бўлуб муддати олти ойдин кейин Сулаймонхонни орадан кўтариб, ондин халос бўлубдурлар. Онинг вафоти *тарихи* ушбу экан:

Шох Сулаймон ибн Шодихон,
Шоҳиди салтанат ба садр кашид.
Муддати даври давлаташ шаш маҳ,
Бувад охир майи ажал кашид.
Мўҳри хомўши ў зада бар забон.
Нутқ аз ҳукми зиннаташ бурид,
Гуфт ақл аз вафоти тарихаш,
Ў зи «Фарғона» «нутқ»ро бикашид.
[Шох Сулаймон ибн Шодихон,
Подшолик келинини кўксига тортди.
Давлатнинг муддати олти ой эди,
Охири ажал майини ичди.
У тилига жимлик муҳрини урди,
Нутқи ҳукм қилишдин кесилди.
Ақл вафотининг тарихи ҳақида
«Фарғонадан «нутқини» чиқарди деб айтди].

Лафзи «Фарғона»дин «нутқ»ни ихрож қилганда *тарихи* вафот, яъни 1177/1764 ҳосил бўладур.

Вақтики Сулаймонхонни ўртадин кўтариб, вузаро ва умаро ва хосу ом иттифоқлик илан Норбўтахон ибн Абдурахмонхон ибн Абдулкаримхон ибн Шохрухонким, ўн тўрт ёшда экан, Қоратепа мавзеидаким, алҳол Муйи Муборак деб аталадур, ўшал мавзеда турган жойидин Хўқанд шаҳриға келтуруб, эъзоз икром илан хонлик маснадиға ўлтурғузубдурлар²³⁹⁷. Ҳарчанд ёшлик ва камтажрибаликни маълум айлаб, ул улуг маснаддин имтиноъ қилса ҳам аркони давлат ва аъёни мамлакат бул ишга қобилияти борлигини фаҳмлаб, ҳамма би-л-иттифоқ хон кўтарибдурлар. Бовужуди ёшлик аҳволотида аъёни мамлакатлар маслаҳати илан ҳукмронликни ниҳоят даражада камолга еткуруб, онинг асрида раоё ва бароё, ҳамма аҳли амкина ва саканалар хотиржамлик ва фориғболлик илан умргузаронлик қилибдурлар. Ул хоннинг замонида ҳеч бир тарафдин ташвиш ва бетинчлик ва қимматчилик ва қаҳатчилик бўлмабдур. Пулни ул хоннинг замонида жорий қилишибдур ва ул замонда арзончилик шул даражада бўлубдурким, ҳамма халқнинг омборхонасидаги ғаллани ҳеч ким пулга сотиб олмай, фуқароларға бахшиш қилмоқдин ўзга чора тополмабдурлар. Бул тарика арзончилик ва кенгчилик атроф-жонибдаги вилоятларға эшитилиб, кўп халқнинг Хўқандга ижтимоъига сабаб бўлуб, Фарғонанинг обод бўлмоғиға боис бўлубдур. Норбўтахоннинг хонлик тахтиға ўлтурғонлиғиға шул мазмунда *тарих* айтилғон экан:

Буд вориси аврангу тахт Шохрухон,
Амир Норбўта ки мулкро гирифт ба забт,
Нишаста соати масъуд ў ба тахти шаҳи,
Мадад ба толеи ў кард ситораи ҳар ҳафт.
Хирад зи баҳри хулусаш чунин бикард,
«Ҳазору саду ҳафтоду ҳафт» зи ҳижрат рафт.
[Шохрухон тахту тожининг вориси бўлган,
Амир Норбўтахон мулкни қўлга олди.
У бахтли соатда шоҳлик тахтиға ўтирди,
Етти юлдуз унинг толеига мадад қилди.
Ақл унинг тахтға ўтириши ҳақида,
«Ҳижратдан 1177 йил ўтган эди», деб айтди].

²³⁹⁷ 1177-1213/1763-1798 йй. хонлик тахтида бўлган.

Муддати ўттиз олти йил Норбўтахон салтанат ва аморат маснадиға ўлтуруб ҳукмронлик қилибдур. Охири асрида ўз бародари Ҳожибек мухолафатлик оғоз айлаб, Ўратепа шаҳриға бориб ул шаҳар мутасаддийларини Норбўтахон мухолафатиға саъй қилиб бир неча кун Ўратепада истиқомат айлабдурлар. Ул шаҳар одамлари Норбўтахондин хавф қилиб батариқи мувоса Ҳожибекка шул тарика маслаҳат кўрсатибдурлар: Хонга муқобил бўлмоқ ёлғиз Ўратепа илан бўлмайдур. Аввало Қурама ва Кировчи²³⁹⁸ тарафиға бориб, ўшал атрофдаги халқни инъом-эҳсон илан ўзингизга тобеъ айлаб, андин Тўрақўрғон ва Андижон тарафлариға ўтуб ул тарафдаги халқларни ўзингизга тобеъ қилсангиз, олар ул тарафдин бўлган ҳолда иш осон бўлур, деб мулойим сўз билан жўнатибдурлар. Ҳожибек Ўратепадин Кировчига келиб, ўз муддаосини баён қилганда, Қурама мутасаддийлари онинг муддаосини қабул қилибдурлар. Чунки Қурама аҳолилари ул вақтда Хўқанд хонлари тасарруфидин хориж экан. Бинобарин, ҳаммалари Ҳожибекнинг муддаосини қабул қилибдур. Андин тезлик илан жўнаб, Тўрақўрғонға бориб, муддаосини баён қилиб, олардан ҳам бир навъи ризолик олиб, Андижон шаҳриға борибдур. Андижон саркардалари ул хонзодани эъзоз-икром илан ўрдаға олиб бориб, эъзозини бажо келтирибдурлар. Бир неча кундан кейин Ҳожибекнинг муддаосини фаҳмлаб, барча аъёни вилоят бир жойға жамъ бўлуб, маслаҳат қилишибдурларким, Норбўтахондин то шул вақтғача ҳеч ким зулм ва таади кўрган эмас. Беважҳ ва бесабаб исломға мухолафатчилик қилмоқ аломати ёғийлик ва ҳам оммаи халойиқнинг бетинч ва бесарамжомлигиға, сабаб бўлубдур. Ва дигар шулки, хони боанжом ва саранжомға бул тарика беанжом ва бесаранжом авбош кўшин илан муқобил бўлмоқ дуруст эмас. Маҳали хавф-хатардур деб, охир ул-амр шунга қарор берибдурларким, Норбўтахонга бир одами хушёрни махфий юборамиз, бўлган ҳодисаларни баён қилсун, то Норбўтахондин хабар келгунча, бизлар Ҳожибек илан мавосо ва мадуро қилиб турамыз, деб Ҳожибекни бир жойи олийға тушуриб, эъзоз икромини бажо келтуруб, бир одами муътамадни Хўқанд шаҳриға Норбўтахон хизматиға махфийча юборибдурлар, ул одам Хўқанд шаҳриға Норбўтахонға бориб, ўтган офатларни баён қилганда, султони оқил аз рўйи шафқати бародарий ва марҳамати додарий ва мудаббирлик юзасидин Андижон аҳолиларига хат ва нома қилиб айтибдурларким, оға-ини ва бародарлар миёнасида шул тарика воқеа бўладур:

Хурдсолон ба бародар бикунанд бе адаби,
 Журм пўшанду бародар надихандаш адабе.
 Зиллат омад сабаб лозим бахшидани Ҳаққ,
 Муфакқиратро сабаб омад кунад бе адаби.
 [Кичик ёшлилар ўз акаларига беадаблик қиладилар,
 Акалар эса гуноҳни яшириб, адаб (жазо) бермайдилар.
 Адашиш-Худонинг ярлақаши учун сабабдур,
 Беадаблик гуноҳи эса кўпинча камбағалликка олиб келади].

Кичиклардин гуноҳ, улуғлардин бахшиш, – деган марҳаматона иборалар илан нома ёзиб, Андижон умаролариға юборибдур. Бул нома мазмунидин Андижон улуғлари воқиф бўлуб, фаҳмлабдурларким, хони дарёдил бародарининг тўғрисида шафқат ва марҳаматини дариғ тутмас экан деб, аз рўйи муросо Ҳожибекка иззат ва эҳтиром кўрсатиб турубдурлар. Андак вақт ўтмасдин Норбўтахон беҳад ва бениҳоя кўшин илан Андижон устиға бориб, ширин муомалат ва юмшоқ сўзлар илан ислоҳи зоталбайн қилишиб, Норбўтахонни иззат илан Андижон шаҳриға киргизиб, ҳар икки бародар бир-бирлари илан кучоқлашиб кўрушиб, кўнгиллариға рикат келишиб йиғлашибдурлар. Буларнинг аҳволларини кўриб, аркони давлат ва умаролар ҳаммалари тоқат қилолмай йиғлашибдурлар. Бул тарика илан бир-бирларини кўнгилларидин қудрат ва ғубор кўтарилиб, адоват ва хусуматлари қолмай, хурсанд ва фараҳмандлик илан Андижон аҳолиларининг улуғ мартабадаги мутасаддийлариға сарупо бериб, Норбўтахон ҳамма Андижон халқини хурсанд ва сарафроз қилибдур.

Об агар сад пора гардад боз бо ҳам ошност,
 Рост рафтан аз вафо кажрави ойини балост.
 [Сув юз бўлакка бўлингани билан барибир бир-бирига иноқдир.
 Тўғри юриш бу – вафодан, эгри юриш айни балодир].

Норбўтахон бародари Ҳожибек илан бир неча кун Андижонда туриб, андин азимат айлаб, Қабодиёнға кўнуб ва андин Ёрмозорға келиб, андин дор ул-аморалари Хўқанд шаҳриға дохил

²³⁹⁸ Тошкент вилояти, Пскент туманидаги қишлоқ. Бугунги Гулистон ж/х таркибида бўлган. Хонлик даврида Қурама вилоятининг маркази бўлган.

бўлибдур. Бул воқеотдин бир йилдан сўнгра Норбўтахон Хўқанд шахрида вафот қилибдур. Муддати салтанати ўттиз олти йил бўлибдур:

Сию шаш сола салтанат имрўз,
Кард барбод як дами дамсўз.
Шод коме ки ҳамчу барқ гузашт,
Теғи алмос кушту шуд дилсўз.
[Ўттиз олти йиллик салтанатни бугун,
Дилни куйдирувчи бир дам барбод қилди.
Бахтиёр эди, бахтиёрлиги чақин каби ўтди,
Олмос тиг уни ўлдирди, юрагига қадалувчи бўлди].

Норбўтахон вафотининг *тарихи*.

Жаҳон на жойи қарор аст на макони сурур,
Ба гиряхои жигарсўз жумла бартар рафт.
Раҳе ки шоҳу гадо дар убура яксон аст,
Хуш он касе ки сабукбортар сабуктар рафт.
Дихи хабар зи убури Амир Норбўтахон,
Мисоли тир бижаст аз камон бе пар.
Мурури давлати аёми ў сию шаш сол,
Бирафт аз пайи онҳо ки пеш аз ин дар рафт.
Хирад бигуфт ба таърихи фавти Норбўтахон,
Бақои Норбўтахон зи фавқи афсар рафт.
[Дунё барқарор турадиган жой эмас, шод юрадиган макон ҳам эмас,
Барчанинг жигари куйиб, у дунё сари кетди.
Шоҳ ва гадолар ўтишда бир хил бўлган йўлдан,
Кимки (молу гуноҳдан) енгил бўлса, енгил ўтиб кетди.
Амир Норбўтахоннинг ўтишидан хабар берсанг,
Гўё камондан тир отилди-ю, парсиз кетди.
Салтанатининг даври ўттиз олти йил бўлиб,
У ҳам аввал кетганлар изидан кетди.
Норбўтахоннинг вафоти *тарихини* ақл деди:
«Бақои Норбўтахон зи фавқи афсар рафт»
(Норбўтахон бақоси қўшини устидан кетди)].

«Бақо» лафзини исқот қилганда тарих -1213/1799 йил бўладур.

Норбўтахон вафот қилгандан кейин дор ул-аморада муҳолафатлик пайдо буллубдур. Онинг сабаби шул эканким, Норбўтахондин уч ўғил ва бир бародар бор экан. Тамоми ўзбек тоифа-тоифа бўлуб, ҳар жамоа бул тўрт одамдин бирини салтанат тахтига лойиқ деб хоҳлар эдилар. Уч ўғилнинг номлари булардур, Олимхон, Умархон. Бу икки бародар бир онадин мингия жамоадинким, номини Минг ойим дейдурлар. Алҳол мазкур хонимнинг номида Хўқанд шахрида мадраса бордур. Ва бир ўғил номи Рустамбекким, бошқа заифадин таваллуд топган. Бародари Ҳожибекким, воқеоти Норбўтахон ҳикоясида зикр қилинган эди ва бул айтилмушларнинг ҳар қаюларига махсус жамоа ва тоифа тараф-тараф бўлуб, хонликни талаш қилар эдилар:

Дар пайи ин оби шўр афтоданд мустасқиён,
Нест суде бар кас аз хўрданаш ёбад забон.
Оташе пеши назарҳо жилва кард дар ранги об,
Қатрааш дар синаҳо чун оташи намрудиён.
Ташнаи ин оби оташнок нўшад журъае,
Оташи ин ташнаги сўзад забонро дар даҳон.
Ҳамчу оби шўр ин дунёи дун, балки сароб,
Баъди нўш аз ташнаги дорад суроғ карда он.
[Ташналар бу шўр сувдан ичиш умидида унга тушдилар,
Уни ичишдан ҳеч кимга фойда йўқ, балки зиён топади.
Бу олов қараганлар кўзига сув бўлиб кўринади
Ҳар бир томчиси Намруд оловидек сийналарни куйдирарди.
Бу ёндирувчи сувдан ташналар бир журъа ичса,
Бу ташналик олови оғиздаги тилларни куйдиради.

Бу пасткаш дунё шўр сувга ўхшайди, балки саробдур,
Чанқаб ичилгандан сўнг, яна чанқоқликдан сув қидирилади].

Оқибат жамоаи мингия ғолиб бўлуб, Олимхонни тахт салтанатига ўтказубдурлар²³⁹⁹. Ҳамма халойиқ йиғилиб, салтанат тахтига ўтқизгандин кейин баъзи ўзбекия ва сартияларким, Норбўтахонга қадим хизмат эдилар Норбўтахоннинг кичик ўғли Рустамбекни хон қилмак нияти илан уч-тўрт тўп бўлишиб, баъзи мухолафатлик вақтда кирлик сўзларни ошқора сўзлаша бошлабдурлар. Бул хабар Олимхонга етиб, хоннинг кўнглига ваҳму харос йўл топиб, охири Норбўтахоннинг давлатхоҳларидин, чунончи Пир-Муҳаммад *ясовул*²⁴⁰⁰ ни фарзандлари илан ва Тош–Муҳаммад Мирзо Бузрукхўжа ва Хонхўжа ва Ҳожибек ва Рустамбек ва буларга ўхшаш саркардаларни ўлдурубдур. Ва бул воқеотни билиб, Ражаб *қўшбеги*²⁴⁰¹ тожик фарзандлари Миррахим ва Бобораҳим ва Қобил Мирзо тожикнинг фарзандлари Қурбон-Муҳаммад Мирзо ва Мўминхон Мирзо ва Дўст *ясовул* тожик, Мулло Ашур-Муҳаммад ва Худойқули *баҳодир*²⁴⁰² тожик ва булардан бошқа бир неча умарозодалар ҳам қочиб, Бухорога борибдурлар. Олимхон анжоми вилоят ва умури салтанатни тинч ва саранжом қилиб, харосати мулк ва посдори жаҳонбонликка саъйи балиғ айлаб, ҳар жой ва ҳар макон ва ҳар шаҳардин кордида, оқилу ҳушёр ва баҳодир одамлардин боргоҳига жамъ айлаб, уларни кўрукдан ўтказиб, янги дафтар қилдуруб, ҳар қаюларининг номини дафтарга ёзиб, номини «Гала баҳодир» кўйибдур. Ул хоннинг аввалги асрида аксар маврусий шаҳарлари мухолафатчилик кўрсатибдур. Олимхон ул вилоятларни ўз зўри ва қуввати илан ду бора фатҳ айлаб, ўзига тобеъ қилиб, фатҳ ва нусрат илан дор ул-аморосиға келибдур. Ул Олимхон доим фикр қилар эканким, бу бебош ва авбош аламон ва бесару сомон кўшун илан бир иш анжом топмабдур деб, мардуми Кўхистоний ва Бадахшоний тожикларни дўст тутар экан. Бир-икки нафар Бадахшоний ва Дарвозийлардин бир неча нафар Қаротегин, Кўлоб ва ҳисорликлардин ўзига муқарраб қилиб аксар кеча улар илан суҳбат қилишар экан. Ҳар кеча улар илан суҳбатлашиб, аснои мусоҳаба уларга кўп шафқат ва марҳаматлар айлаб, аскар тўғрисида оларга маслаҳат ва машварат ташлаганда, арз қилибдурларким: «Жаҳонпаноҳо, бул ўзбеклар бадгир ва бадтадбир одамлардур. Ёмон тадбир ва бадхуйлик илан биз мусофирларни сиз жанобнинг марҳамат ва мурувватларидан узоқ қиладурлар, балки би-л-кулли маҳрум ва ноумид қиладур» деганда хон уларни сўзиға рикқат ва мулойимлик илан жавоб бериб, бир-бирлари илан аҳду-паймон қилишибдурларким, ҳар қандай бадхуй ва бадғараз одамлар ул тожиклар борасиға сўз айтса, бовар қилинмас деб. Андин кейин ул тожиклар арз қилибдурларким: «Жаҳонпаноҳо, аскарияларни икки тоифа тожиклардан тартиб берамиз. Қоратагин ва ҳойитийларни бир гуруҳ қилиб, дарвозий, бадахшоний, кўлобий ва ҳисорий ва рўшоний ва шуғноний ва чатрорийларни бирқилиб уларни пешжанг қиламиз. Бул икки гуруҳ аскар ҳар вақт бирор шаҳарни қамаган вақтда икки тарафидан юргуздирамиз. Буларнинг ҳиммат ва ғайратларини кўруб ўзбекиялар ҳам номус айлаб, ғайратлари жўшга келса керак». Олимхон буларнинг кўрсатган маслаҳатларини қабулға олиб ва ўзи бадахшияларга амр қилибдурларким: «Ҳар жойда жамоати дарвозий, бадахшоний, шуғноний ва рўшаний ва чатрорий бўлса, йиғиб жамъ қиласизлар». Қоратегинликларга амр қилибдурки: «Ҳойитий ва қоратегинларни топиб жамъ қиласизлар». Андак фурсатда Қоратегин ва ҳойитийлардин уч минг ва яна юз одам жамъ бўлубдур. Лекин дарвозий ва шуғноний ва рўшонийлардин ўз ихтиёри илан келган одамлар беш юз нафардан зиёда бўлмабдур. Бул мажмуъ тожикларни кўрук кўриб, кўздин ўткуруб, ҳаммасиға сарупо, яроқ аслаҳа ва от берубдур. Дарвозийлик, бадахшонликлар илан қамту (шундай) арз қилибдурким: «Жаҳонпаноҳо, бул вилоятда беш юздин зиёда одам тополмадук. Агар олампаноҳ марҳамати олий айлаб, амр қилсалар ҳар жой ва ҳар маконда хоҳ рўшоний ва хоҳ шуғноний ва хоҳ чатрорий ва хоҳ эроний, ҳар тоифаки бўлсун, ва хоҳ қул ва хоҳ озод уларни тортиб олиб, дор ул-амароға жамъ қилсак». Олимхон уларни илтимосини қабулға олиб ижозат берибдур. Ижозат олгандин кейин ул тоифалар хоҳ қул, хоҳ озод, ҳар ерда бўлса олиб йиғиб, андак фурсатда уларнинг адади ҳам бир минг етти юзга етиб, ҳаммасини хонга манзур айлабдурлар.

Хон уларнинг ҳаммасиға сарупо, асбобу яроқ бериб, подшоҳлик дафтариға номларини ёзиб, вазифа тайин қилиб, ул янги аскарларни *ўрда* ва *арк* атрофиға посбонликға тайин айлабдур.

Муддати бир йил ўтгандин кейин хон барча тожикларни анжом ва тартиб айлаб, Ўратепа тарафиға кўшин қилмоқға амр қилибдур. Андак фурсатда беҳад ва ғоят кўшун жамъ айлаб, Ўратепа тарафиға юруш қилиб, уч кунда Хўжанд шаҳриға дохил бўлуб, бир икки кун Хўжандда таваккуф

²³⁹⁹ Олимхон Кўқон хонлигида хижрий 1213/1798-99 йилдан 1810 йилгача хон бўлган.

²⁴⁰⁰ Ясовул – яссо, ясақнинг бажарилиши назорат қилувчи ҳарбийлар. Бу даврда отлик сарбоз.

²⁴⁰¹ Қўшбеги – қўш, ҳарбий кўноқ, ставка ёки лагернинг беги.

²⁴⁰² Баҳодир – ботир, сарбоз.

айлабдурлар. Бул миёнада саркардалар ва бошқа умаролар ўз ораларида хондин шикоят қилиб айтибдурларки, бул қандай бенизом ва беқоидалиқдурким, ушбу тожики саргардон ва жувозкаши бекор ва қулларнинг бе ному ношон ва эшакчиларнинг қўлларидин нима иш келадурки, амир бул тоифаларни пешрав қилибдур деб. Бул хабари шикоятмуз амирга масмуъ [маъдум] бўлиб, амир ул бадгуй [ёмонловчи] ва ҳаромнамаклардин ошуфта ва хафа бўлуб ғазаб илан даъфатан аскарларга отланмоқға амр қилиб Хўжанддин жўнаб Оқсувга кўнибдурлар. Ул аснода амирнинг дарғазаб бўлганлигини фаҳмлаб Ирисқулибек ва Мўминбек ва Жумабой айтган сўзларидин ваҳмнок бўлуб, аввало Ирисқулибек амирнинг хизматиға кириб, арз қилибдурким: «Эй подшо, олампаҳо, умид қиламанким, бул тожик ва бекбаччаларнинг сардорлигини мендек хизматкор жонсипорлариға марҳамат қилсалар. Эрта душман тарафиға бориб, хизмат кўрсатсам». Амири жаҳонгир хурсандлик ва очик юзлик илан айтибдурларким: «Эй тоға, тожики саргардон ва жувозкаши бекорлар нимани уҳдасидин чиқадурки, сиз оларни талаб қиласиз ва дигар шулки бул мусофиру ғарибларни мураббийи ва отаси мандурман. Ва мандин бошқа оларға мутакко йўқдур ва мандин бошқа одамни хизматиға бўйун кўймайдурлар». Оқибат, Ирисқулибек ноумид бўлиб, амирнинг боргоҳидин хижолатлик илан мураххас бўлибдур. Ондин кейин ҳар қайу саркардалар ҳам тожикларни талаб айлаб, Ирисқулибекнинг эшитган жавобини эшитибдурлар.

Эртаси эрта билан намози бомдодни адо қилгандин кейин отланиб чошгоҳда Ўратепанинг Чўлминора тарафидин бориб, қалъага бир ўк етадурғон масофаға бориб саф ростлаб турубдурлар. Ул вақтида амир тожик ва қулларни илгари солиб саркардаларга амр қилибдурким, вақтики, тожиклар Ўратепа қалъасиға югуруб ёпушган ҳолда сизлар ҳам қалъани атроф жонибидин от қуйуб, кўрғонға ёпушурсузлар деб ҳаммага буйруқ қилиб, худи амир ўзи қулли баҳодирлар туғининг остидин чиқиб тожиклар туғининг тагига борибдур. Ул вақтда қалъадин отган милтиқ ва жазойир ўқлари отларни бошидин ўтиб турар экан. Амир тожиклар либосиға ўхшаш либос кийиб, гўёки ўзини кўҳистонийға ўхшатиб экан. Бул аҳволни тожиклар фаҳмлаб, йиғлаб арз қилибдур:

– Эй жаҳон подшоси, биз тожикларнинг жони сени хоки пойингга садақа ўлсин, бизларнинг бошдан оёғимиз сенинг оёғинг гардига фидо бўлсин. Бу хавfli ва хатарли жойга нима учун келдинг? Душман ўқлари бошимиз устида ёғилиб турибди. Мабодо зоти покингга зарар ва нуқсон етмасун. Бизнинг ўликларимизнинг эгаси сенсан, йўқса, бизнинг ўликларимизни деворлар остида итлар ейдилар, биёбонларда бўрилар ёриб кетади.

Амири мутаваккил уларға дилдорлик [далда] бериб, ширин забонлик илан айтибдур: «Ман таваккални худоға қилиб ўзимни сизларни орангизга олдим, хоҳ тирик, хоҳ ўлик сизлар ила бўлмоқни ўзимға лозим билдим». Бул сўзни эшитиб ҳамма тожиклар йиғилишиб бирдан ғайратға келиб, ҳаммалари иттифоқ илан қилич яланғочлаб Ўратепа қалъасиға югурубдурлар. Андак фурсат ўтмасдан Ўратепа қалъасини зеру-забар қилиб, миқдори бир минг тожик шаҳарға доҳил бўлуб, улар илан биргалашиб умаролар ҳам Ўратепаға кирибдурлар. Амирнинг атроф - жонибида тожик ва бекбаччалар бир неча қабат бўлуб ихота айлаб, ўз баданларини амирга сипар айлаб, Ҳасан девонбегининг масжидиға элтиб тушубдурлар. Саркардалар кўрибдурларким, тожиклар амирни ўзлари илан Ўратепа шаҳриға олиб кирдилар. Улар ҳам бетоқат ва беором [нотинч] бўлуб, Ўратепа атроф – жонибидин югуриб шаҳарға доҳил бўлуб ҳар кўчаларидин туғ ва байроқлари ила даста даста бўлуб келиб амирға манзур бўлубдурлар. Ўшал вақтда амирнинг қулоғиға оломон овози эшитилиб амир савол қилибдурким: «Бул қандай овоз?» «Бул овоз баччалар қамаб кўб танг қилган сабабдин талаби омон қиладурлар»- деб оларни ичиға саркардаи муътаמידларни юборганда Мулла Эрназар манғития саркардалари бир неча нафар мулозимлари илан чиқиб, амирни кўрубдур. Амир ул саркардаларни яна бир неча ҳамроҳлари илан кўшуб Хўқандға юбориб, қолган илғорларға дилдорлик бериб, уларни Муғ қалъасидин чиқариб сиҳат ва саломатлик илан Зоминдан ўтказиб юборибдурлар. Андин кейин вафот қилган бародарларни рўйхат қилиниб, тўрт юз қирқ тўрт нафар вафот бўлганлар хатланиб, ярадорларға шифо учун жой тайинлаб ва инъом бериб, вафот қилганларнинг хешу ақраболари бўлса мурдасини Хўқандға юбориб, қолганларини ўшал жойда дафн қилибдур. Андин кейин амир дарғазаб бўлуб, барча тожик ва бекбаччаларға Ўратепа шаҳрини талон-торож қилмоқға амр қилибдурлар. Бул хабарни эшитиб, амири Бухоро ўз муқаррабларидин бир одамни Самарқандға юбориб, ул шаҳарнинг истехкомотиға амр қилибдурлар. Амир Олимхон Ўратепа шаҳриға Қадам иноқ²⁴⁰³ деган тожикни ҳоким ва Мулла Раҳматуллоҳни оқсоқол айлаб, обрўйи тамом илан Хўқанд шаҳриға қайтибдур.

Хўқанд амири Олимхон Ўратепани фатҳ қилиб, Хўқанд тарафиға қайтганини Бухоро амири эшитиб, аркони давлат илан машварат қилишибдурки, алҳол Ўратепа аҳолилари хўқандликларни

²⁴⁰³ Иноқ – хоннинг хос хизматкорларидан, унинг сўхбатдоши ва саройдаги махрами.

талон-торож, зарбу қатлларининг сабабидин ҳаловати зиндакорчиликлари қаттиғ ва аччиғ бўлиб турган ҳолда қўшун тортиб борсак, эҳтимолким, бизлар борган ҳамоно улар ичкари тарафдин ғайрат қилиб, бизларга шаҳар дарвозасини очиб берсалар деб. Бул маслаҳатни ҳамма Бухоро умаро ва фузалолари истиҳсон қилишиб, дафъатан лашкар жамълаб суръат илан Ўратепа устиға равона бўлуб, андак фурсатда Ўратепа устиға келиб, Ўратепа шахрининг атроф-жонибини ихота қилиб қўнубдирлар. Ҳар куни икки тарафдин, яъни ташқари ва ичкари тарафдин, бир-бирларига тўпу тўфанг отишиб, муддати ўттиз кун Бухоро қўшуни Ўратепани қамаб, ҳар куни уруш, отиш бўлса ҳам Хўқанд амири тарафидин қолган шаҳар ичидаги илғор аскарлар Бухоро қўшунига муқовамат ва муҳорабат қилиб, жонсипорлик илан қалъани сақлабдурлар.

Зафар лойиқи жонсупорон шуда,
Иноят ба мардон зи Яздон шуда.
Ҳар одаме ки зи поси намак,
Кунад хизмат аз неку ном шуда.
Бимонад аз-ў некноми ба даҳр,
Чу пурони Соми Наримон шуда.
[Жонбозлар учун зафар лойиқ бўлди,
Мардларга бу Худодан иноят бўлди.
Кимки туз ҳурмати учун хизмат қилса,
Яхши ном қолдирувчилардан бўлди.
Кимки Сом Наримон ўғиллари каби бўлса,
Ундан дунёда яхши ном қолади].

Оқибат ул-амр Бухоро қўшуни маънос ва ноумид бўлуб қалъа атрофидин қайтиб ўз қўшоналарига келибдур. Бул аснода амири Бухороға хабар айтишибдурларким, Хўқанд хони Ўратепа тарафиға азимат айлабдур деб. Бул хабарни эшитгандин сўнгра амири Бухоро Ўратепа устида тавакқуф қилмоқни маслаҳат кўрмай, андин жўнаб, Жиззах шаҳриға келиб, ул шаҳарда уч-тўрт кун тавакқуф айлаб, Диззах шаҳриға бир қанча илғор аскар илан кўп адад тўп, тўпхона, милтиқ асбоб-аслаҳа ва ғалла жамълаб, худи амир қолган аскар илан Самарқанд шаҳри тарафиға жўнабдурлар. Самарқанд шаҳрида бир неча кун туруб эшитибдурларким, Хўқанд амири Олимхон Диззах устиға келибдур деб. Дарҳол, Самарқанддин жўнаб, Бухоро тарафиға азимат айлабдурлар. Олимхон Ўратепа шаҳриға келиб, ул шаҳардаги илғорларга бош бўлуб, амири Бухоро аскарларининг урушиға тоқат қилиб, Ўратепа шаҳрини сақлаб турган мулла Раҳматуллоҳ ва Қадам *иноқ*ни боралариға марҳамати султоний ва шафқати хоқоний айлаб, оларнинг қилган хизмат ва кўрсатган баҳодирликларига истиҳсон айлаб, ўз амсол ва акронларидин рутбасини мумтоз ва баланд қилиб, мансаб ва ёрлиғ бериб, хизмат кўрсатган аскарларнинг ҳар қаюларига ба қадр манзалат инъом ато айлаб ва фуқароларига дилдорлик бериб, ҳар нима Ўратепа фатҳи вақтида тожик ва бекбаччалар тарафидин торож ва ғорат бўлинган фуқароларнинг моллари ўрниға инъому эҳсонлар айлаб, ҳамма улуғу кичикни хурсанд ва сарафроз қилиб, урушда вафот топганларни рўйхат қилиб, оларни мансабига хоҳ улуғ ва хоҳ кичик бўлсун фарзандларини тайин айлаб, дафтари подшоҳликка ёздуробдурлар.

Андин кейин Ўратепа атроф-жониби илан то Диззах сарҳадиғача одамларға хабар юбориб, тўпу тўпхона ва аскар илан Диззах шахрининг устиға бориб, атроф-жонибини айлантуруб чодир ва хиргоҳларни тикиб қўнубдурлар. Бир неча кун Диззах шаҳри устида туруб, ҳар кун уруш қилиб, тожик ва бекбаччалар ҳар тарафдин қалъага югуриб, охири қалъаға тўпу тўфанг отиб, шаҳарни танг қилиб, бу кун эрта олурмуз деб турган ҳолда Абдурахим номли тожик қўшун орасиға ҳар хил беҳуда ва мало , яъни сўзларни тарқатибдур. Ул сўз амирға гўшрас [маълум] бўлуб, анга жазо ва танбех [жазо] бермак бўлганларида, фурсат топиб Диззах шаҳриға қочиб, шаҳар аҳолиларига айтибдурки, эҳтиёт ва маҳкам бўлунглар, амирни қўшуни очлик ва тангликдан амирни ташлаб қочадурлар. Беш ўн кун тоқат қилиб турунг, шаҳарни бекорга бериб қўйманглар деб. Бул хабарни эшитиб Диззах одамлари қайтадин жон кўрган мурда[ўлик]дек ўз ишлариға мустаҳкам бўлуб, шаҳарни истехкоми ва эҳтиётиға саъйи балиғ қилибдур. Бул ходисадин икки уч кун ўтгандин кейин дарҳақиқат амирнинг қўшуниға хавф ва бесаранжомлик тушуб, баъзи ўзбеклар бузулишиб амирдин бе ижозат ниҳояти бесаранжомлик илан Хўқанд тарафиға қараб қочибдурлар. Бул ваҳшатли хабарни Олимхон эшитиб, Диззах шаҳрини ихота айлаб турган тожикларга амр қилибдурларким, қўшун бесаранжом бўлди. Андак ва кичкина шаҳар деб кўп вақт Хўқанд дор ул-амаросидин узоқ туштук. Акнун Хўқандға

бормоғимиз маслаҳатидин холи эрмас деб ул жойдин кўчуб, тамоми Аскар аслаҳа илан сиҳат ва саломат Хўқанд шаҳрига келибдурлар.

Хўқанд шаҳрига келгандин кейин, ҳамма амир ва саркардаларга амр қилибдурким: «Бирор замони силоҳ ва асбоби сипоҳигарликка ғофил ва бепарво бўлмай, аскарияларнинг аҳволотидин воқиф ва огоҳ бўлуб, оларни оч ва яланғоч қўймагайсизлар, чунки мамлакатнинг тинчлик ва ободонлиги оларга вобастадур. Мамлакатни рабт ва забт қилмоқга қўшиш қилгайсизлар. Яна бир ойдин сўнгра бирор тарафга кўшин қилурмиз», деб барча саркардаларга ўз жойлариға қайтмоқга рухсат берибдур.

Бул воқеадин муддати икки йил ўтуб мамлакат орасида тинчлик ва осуда хотирлик илан Олимхон ҳукмронлик маснадида туруб, атроф-жонибдаги шайхи риёий [сохта] ва сўфиёни худройлар [ўзбилармон] аҳволотини тафтиш ва тафаҳхус айлаб, ул шайхлариким, сайри сулукни тамом қилиб, пиридин ижозат олган бўлса, онинг борасиға инъом ва эҳсон айлаб, иззат ва эҳтиромни бажо келтуруб, ва ул шайхларики, беқоида ва берох бўлуб, халқни роҳи зилолат ва бидъатга оид қиладурган бўлса, анга таъзиз ва таҳқир илан одоб берур экан. Зероки, худи амир Олимхон сулуки жаҳрияга дохил ва мураххас ва мижоз бўлуб, ҳар ҳафта боргоҳи олийда ҳамма машойихи жаҳриялар келиб зикри жаҳр қилар эканлар. Ва пири иродатлари шайх Носир алайҳи-р-рахма экан, касби камолотни ул жанобдин ҳосил қилган экан. Зикри жаҳрга машғул бўлуб турган ҳолатда худи шайх ўзлари қўллариға дарра олиб, халқани атрофидин айланиб, эҳтиёт қилиб, беқоида зокирларга одоб берар эканлар. Амири мажзуб халқани ўртасиға кириб, ниҳоят мажзублик илан садри самоўга машғул ўлуб, ул халқада амиру фақир баробарлик илан зикр айтур эканлар.

Иттифоқо, бир мажлиси зикр бўлуб зокирлар ниҳояти важди самоў ила масту мустағрак бўлган ҳолда бир айёри таррор ўзини зокирлар қаториға олиб, халқаға кириб, фурсат пойлаб турган аснода амир Олимхон зокирлар илан зикрга машғул бўлуб ҳамма ниҳоятда завқу шавқ илан зокирлар Олимхонни миёналарига олиб, жўш ва хуруш қилиб турган ҳолда ул бадкор вақтни холи ва ғанимат топиб, Олимхонга пичоқ урубдур. Бул аҳволдин зокирлар хабардор бўлуб дарҳол амирни орага олишиб иккинчи урмоқдин амирни сақлаб ичкари ҳарамға элтиб, етказиб, дарҳол жарроҳ келтуруб даво ва муолажаға кўшиш қилиб, ул бадкорни ушлаб бандга солибдурлар.

Амирни захми енгил ва хавфсиз экан. Умаролар амирга арз қилибдурлар: «Бул захм урган ҳаромзода айёрни ушлаб келтурдук, нима фармойиш қиласиз, анга азобу укубат бериб, қийнаб, бул ишга кимлар шерик бўлуб ва ким буюрган эканин билиб, сиз жанобга маълум қилсак, яна ихтиёр жанобларидадур». Амир бул сўзнинг жавобиға айтибдурлар: «Сабр ва таваккал асбоби фараҳ ва фирузист [хурсандчилик ва ғолиблик], айбдорнинг айбини очмоқ ва тажассус қилмоқ [текшириш], сабаби бетинчлик ва хунрезликдур. Оламини фитна ва фасоддин халос қилмоқ учун хасмни дафъ ва рафъ қилмоқ аз жумлаи низом ва қоидаи умури салтанатдур. Шаръан ва зоҳиран гуноҳкорни ўзиға жазо бермоқ қонуни шаръ ва мувофиқи қоидаи хикмат», деб ул қотилни қатлга фармон қилиб ўлдурубдурлар.

Олимхоннинг мамлакатдорликларининг эҳтиёти шул даражада эканким, гадоёни ғайри мустаҳикларни тафтиш ва тажассус илан уларга одоб ва сиёсати ҳукмрони кўрсатиб, девонаи маддох ва жўгийи хушёқмасларни ушлаб, ҳар қаюлариға уч адад, тўрт адад тева бериб, подшоҳлик ғалла ва ўтун ва мунга ўхшаш ашёларни тева илан ташимоқга маъмур айлаб, шул тариқа хизмат қилдуруб, подшоҳлик авқот гузаронликларини берур экан. Рабти мамлакатни зоҳиран сиёсат, ботинан шафқат ва марҳамат илан ўткарур экан.

Бир кун жосуслар хабар еткарубдурким, Тошканд вилоятининг волийси Юнус Хўжа Хўқанд тасхири савдосиға тушуб, Тошканд атрофидаги ўзбек ва сартия ва қозоқиялардин лашкар жамълаб, Чодук йўли илан ўтуб Хуррамсарой, алҳол Фурумсарой дейдурлар, шул мавзеге келиб тушмак бўлди деб. Бул хабари ажибни амири далер эшитиб, Хўжанд ҳокими Ражаб *қўшбеги* тожикға хабар юбориб, фармон қилибдурки, Юнус Хўжа Тошканддин аскар тортиб келиб Фурумсаройга тушмак бўлубдур. Дарҳол Хўжанд кўшини илан дарёдин ўтуб, Юнус Хўжани устиға бориб, уруш айлаб, овора қилиб турунг, бизлар Хўқанд аскари билан бугун-эрта дарё лабиға бориб, сизларға қўшулармиз деб. Бу хабарни Ражаб *қўшбеги* эшитиб, дарҳол амр қилибдурки, тамоми Хўжанд кўшини дарё лабиға жамъ бўлади деб. Барча кўшун дарё лабиға жамъ бўлгондин кейин, худи *қўшбеги* услиҳ бўлуб, орқадин тушуб, тамоми аскарлар илан тўхтовсиз дарёдин ўтуб, тезлик илан йўл йуруб, саҳар вақтида Самғар мавзеиға қўнуб, ул жойда то пешингача ором ва истироҳат айлаб, пешиндин кейин жўнаб, кечкурун Қамишқўрғонға қўнуб, Ражаб *қўшбеги* кўшунга хабар берибдурким «эрта чоштгоҳда [эрталаб] дарё лабига, Фурумсаройга борурмиз» деб. Ҳамма аскар якдил ва ягжихатлик илан эртаси душманга рўбарў бўлуб, муҳорабага омода ва тайёр бўлмоқ учун ул куни Қамишқўрғонда туруб, аср вақтида

отларга ем-хашак бериб, баъд аз шом ҳамма кўшун от-эгарларини ва асбобу аслаҳаларини дуруст тайёрлаб, урушга омода бўлуб, Қамишқўрғондин жўнаб, суръат илан юриб, сахар вақтида Гурумсаройга етиб дарё лабига бир пастлик жойга тушуб, отларга андак ором бериб, субҳ вақтида отларга ем бериб, ҳамма аскар таҳорат қилиб, ул вақтда номози бомдодни ўқуб, ҳаво равшан бўлганда, дарёни ул тарафига қараб, кўрубдурларким, Олимхон Хўқанд кўшини илан келиб дарё лабига тушган экан. Ражаб *қўшбеги* амир Олимхоннинг лашкарини кўруб, кўнглига қувват ҳосил бўлуб, дафъатан отга миниб ҳамма кўшинларни жаррор айлаб, ҳаммалари қилич ва милтиқларини тайёрлаб, душман устига бориб уруш майдонига етган ҳолда туғ кўтарган одамнинг отининг оёғига кишан солиб ва атрофга эллик нафар пиёда тожик аскарларини еткузуб, айтибдурки, ҳар вақт бизлар урушга муқайяд бўлганда сизлар шу жойдин бошқа жойга ҳаракат қилмай, барқарор турасиз. Бизларнинг илгари ёки кейин борганимизга ишларингиз бўлмасун, чунки уруш вақтида гоҳ бизлар душманни, гоҳ душман бизларни кейин қайтарадур. Ҳар вақт душман сизларга қасд қилса милтиқ отиб, туғ тарафига яқин келтурмагайсизлар ва агар сизларга ғолиб бўлгандек бўлса, бизлар сизларга зарар еткургани кўймаймиз деб, саф ростлаб, урушмоқга омода бўлуб турубдур. Бу хабарни Юнус Хўжа эшитиб, ул ҳам тайёрланибдур. Олар бориб Ражаб *қўшбеги* кўшунига рўбарў бўлуб бир-бирлари илан урушга муқайяд бўлушуб [киришиб], гоҳ бул ул тарафга ғолиб ва гоҳ мағлуб бўлушуб ва гоҳ қозоқиялар Ражаб *қўшбеги* кўшинини туғдин яроқ, ўқ отиб, илгари сурса ҳам ярадор туғ асло жойидин ҳаракат қилмай турганига қозоқиялар таажжуб қолур экан. Зероки, туғ ярадорнинг отининг оёғида кишан бор учун ҳаракат қилмоқга қодир эмас эди.

Охир ул-амр қозоқия ва Тошканд кўшуни дарёнинг ул тарафидаги Олимхон кўшунини кўриб ва отган тўпларнинг овозини эшитиб, хавф қилишибдур. Агар дарёнинг ул тарафидаги кўшун ўтгандин кейин бизларни тамом атрофимизни ихота айлаб, қочмоқга ҳеч жой бўлмас деб ҳаммаси ваҳмга тушуб, бир четдин бузулишиб, қочибдур. Буларнинг қочганини бошқа аскарлар кўруб, ҳаммаси бир-бирига қарамай ота фарзандга, фарзанд отага қарамай кетганини кўруб Юнус Хўжа тамоми хазиана-ю дафина, чодир асбоб-аслаҳа, ағъимаю ақмишаларини қолдуруб, ўн-ўн беш хос давлатхоҳлари илан Тошканд тарафига қочибдур. Сарҳадда турган одамлар оларнинг от аслаҳа ва либосларини олиб, ўзларини яланғоч жўнатиб, баъзиларини банди айлаб, Олимхон ҳузурига келтурур экан, Юнус Хўжадин тушган тамоми аслаҳа ва ақмиша ва хиргоҳларни рўйхат қилдуруб, Ражаб *қўшбеги*нинг қилган хизматиға истиҳсон айлаб, ҳамма ашёларни *қўшбеги*га қайтариб бериб, амр қилибдур хизмат қилган аскарлар миёналариға тақсим қилиб берулсун деб.

Ул урушда яхши хизмат кўрсатганларга ўзига муносиб мансаб ва ёрлиғ берилиб, ўз жойлариға қайтмоққа ижозат айлаб, амир Олимхон Ражаб *қўшбеги*га сарупойи подшоҳона бериб, мартабасини ҳамма умаролардин мумтоз қилибдур.

Юнус Хўжанинг андак гиёҳ [кўкнор]дин хабари бор экан. Бу урушга бир шоирнинг ушбу шеърини *тарих* топибдурлар: «Банги ба кунаш нигоҳ накарда гурехт» [яъни, банги орқасига қарамай қочди].

Хўқанд аскарлари бир неча кун ором олгандин кейин амир Олимхон аркони давлат ва аъёни вилоятларни жамъ айлаб, хос мажлис қилиб Қурама устига кўшун қилиб, ул музофотларни мусаххар қилмоқ маслаҳатини ўртага ташлабдур. Ҳамма аркони давлат би-л-иттифоқ арз қилибдурларки, жаҳонпаноҳо ҳар маслаҳатки, ройларига тажалли кўрсатадур, маслаҳатларнинг энг равшани ва зебосидур. Валекин «Ва шовараҳум фи-л- амри» [ишларда улар билан маслаҳатлаш] мазмунича, ҳеч бир подшоҳ зи-жоҳлариға [қўлостидагилари билан] маслаҳат ва машварат қилмаслигига чора йўқ. Лекин бул ҳозир бўлган рой ва давлатхоҳларнинг маслаҳатларимиз шул тариқадурким, дарҳол кўшун тортиб, заиф ва забун бўлуб шикаст топган душманни устиға бормоқ зарур. Зероки, бу фурсатда душман икки аҳволдин холи эмас, биринчидан, ҳамма душман урушда ўлганларнинг таъзияти ва ярадорларнинг тарбиятиға машғул ва оворадур, иккинчидан, асбобу-аслаҳа, дору-ю кўрғошин ва лозимоти жанг барчаси талаф бўлгандур. Онинг тадарокини қилмасдан илгари душманнинг устига бормоқ заруроти сиёсийгаридур, деб кўрсатган маслаҳатларича, амир Олимхон дарҳол саркардаларға кўшунни жамъ қилмоқга амр этибдур. Мулозим юбориб, андак фурсатда Хўқанд дор ул-аморосига беҳад ва беҳисоб кўшун жамъ булибдур. Баъд аз он Олимхон ўшал асрдаги тамоми Фарғона вилоятиға эшон домла Ёқуб Охундни бош қилиб, кўп уламо ва фузалолардин ўрдага таклиф айлаб, кўшун воқеоти ва душман аҳволотини ва ул душманнинг дафъи ва Фарғонанинг осойишталиги ва раоёнинг бесаранжом ва таҳти по бўлмаслиги ва ҳифзи мамлакат хусусидаги маслаҳатни бо тариқи илтимос арз қилганида ҳамма одоб айлаб сукут ва хомуш бўлубдур.

Бир оз фурсатдан кейин эшон домла Ёқуб Охунд сўз бошлаб, аввало оят ва ҳадисдан баён қилиб айтибдурлар: «Эй амир, бу муқаддима – муқаддимаи қиёматдур. Қиёмат куни бўладургон муҳосабада ҳар [бир] одам ўз кирдорига лойиқ ҳисоб берадур. Эй амир, кўнглингизда осойиши фуқаро ва дафъи шарри душман ва золимики, сизнинг мулк ва вилоятларингизга зулм қўлини узатган бўлса, они дафъ ва қатъ қилмакни лозим билган бўлсангиз, бизлар ҳам бул маънини қабул қилдук».

Ҳазрат домланинг бу ваъз-насихатлари аҳли мажлисга таъсир қилиб, ҳаммалари рикқат илан, гиря қилиб [йиғлаб], амирнинг доимо музаффар бўлмоғини худованди каримдин масъалат қиладурлар [сўрабдилар]. Сониян, Олимхон ҳамма уламо ва фузалоларга сарупои подшоҳона бериб, эшонни арк дарвозасиғача пиёда машойиат [кузатиб] қилиб, иккинчи маротаба фотиҳа олибдур. Эртаси амир Олимхон тамоми жамъ бўлган лашкари ила савора бўлуб, туғ ва алам [байроқ] барпо айлаб, Қурама тарафига равона бўлуб, ўшал куни Оқжар мавзеиға дарё лабиға кўнибдур. Эртаси ўшал мавзеда ором айлаб, кўшуннинг олди-кетини жамълаб, эртаси ул мавзедан жўнаб, Қамишқўрғонға кўнуб, уч-тўрт саркардани ўзига қарашли аскар илан Кандир давони тарафидин юрмоққа амр айлаб, худи Олимхон ўзи кўшун илан Қамишқўрғондин жўнаб, Самғарға кўнуб, унда икки-уч саркардани Ўн икки мўйноқ довони тарафидин юрмоққа буюриб, амир Булоқ мавзеиға кўнуб, бир неча саркардаларни тайёр ва жаррор [жасур] йигитлар илан Қурама атрофиға буюрибдур.

Бу саркардалар Қурама элатияларини ғорат ва торож айлаб, баъзи кентларни муҳосара [камал] қилиб тургон аснода Олимхон аскарлари гуруҳ-гуруҳ, тўп-тўп, туғ ва байроқлар илан кела бошлаб, ноғора овози оламни ваҳимага солиб, амир Олимхон лашкари кетидин юруб Коризга келиб кўнубдурлар. Ўшал кундан бошлаб, Қураманинг Кировчи шахри аҳолисинин бошқа ҳамма халқи тортиғу пешкаш қилишуб, Олимхонға манзур бўлубдурлар. Амир Олимхон уларнинг ҳар қаюлариға меҳрибонлик айлаб, улар устидаги кўшунни олдуруб Кировчи шахрини муҳосара қилмоққа амр берибдур. Атроф-жонибға тарқалиб талон-торожға машғул бўлган аскарлар ҳаммаси жамъ бўлуб, Кировчи шахрини тамом атроф-жонибидин муҳосира айлаб, ҳеч кимни шаҳарға кирмоққа, чиқмоққа мажол кўймабдур. Олимхон ҳам аларнинг орқасидин Кировчи устига келиб, кунуб атроф-жонибдаги Қураманинг оқсоқол ва бий мутасаддилари тортуғ илан келиб, Олимхонға манзур бўлуб, амир уларнинг ҳаммалариға инъом ва эҳсон айлаб, амр қилиб, ўзига тобеъ бўлган халқларни «қил қуйриқ» айлаб, йиғйиб, аскарнинг мадад ва ионасига келтурунлар деб, оқсоқол ва бийлар мунқодлик илан рухсат ва ижозат олибдур. Амир Олимхон Кировчини шимол тарафидаги дарвозасиға ўқ етар жойға кўнуб, чодирларни барпо айлабдур. Шул аснода амирнинг тоғаси Ирисқулибек дарҳол отланиб, найзасини кўлга олиб, шаҳар дарвозасиға бориб, найзани дарвозани ёнига санчиб турибдур. Ирисқулибекнинг бу ғайрати далеронасини кўриб, Жумъабой Қитоқий баҳодир ҳам тоқат қилиб турулмаб, отини югуртуриб дарвозага боруб, ул дарвозанинг бир тарафиға найзасини санчиб, қараб турубдур. Бу икки баҳодир устига шаҳарнинг тўпхонасинин милтиқ ўқини ба мисоли ямғурдек ёғдуруб отиб турсалар ҳам худо сақлаб оларга ҳеч бир захмат етмабдур. Буларнинг мардона ва далирликларини аҳли шаҳар кўруб, ҳайрон бўлуб, ҳаммалариға ваҳима пайдо бўлубдур.

Бу воқеоти ажибани Олимхонға маълум қилишганда, чодирдан чиқиб, ул икки баҳодирни кўруб, фаҳмлабдурларким, бул икки баҳодир номус айлаб бежо ерга ҳалок бўлса ажаб эмас деб, дарҳол мулозим буюруб айтибдур: «Маслаҳат эмаским, бу вақтда сизлардек кордон ва маслаҳатшуносларнинг вужудига зарар етушса корхонаи подшоҳликка, балки, тамоми мулки Фарғонаға зарар келтирадур». Бу хабарни эшитиб, ул икки баҳодир найзаларини кашола [судраб] қилиб, баробар қайтиб, оҳисталик илан Олимхоннинг саропардасига саломат келиб, амирга таъзим қилибдурлар.

Амир уларни саропарда ичига киргузуб, насихатомуз сўз илан айтибдурки, эй тоға сизларни бул қилгон баҳодирона хизматларингизни ҳеч ким қилган эмас ва қилолмайдур. Лекин, соҳиби давлатдин бемаслаҳат оёқни бир қадам илгари босмоқ доираи одоб ва сипоҳгаридан хориждур. Ул кеча тонг откунча шаҳарнинг тўрт атрофиға чип босиб, тўп андоз ва милтиқ андозни дурустлаб, субҳ вақтидин бошлаб, тўрт тарафдин тўп ва милтиққа бирдан оташ бериб, шаҳарни даҳшатга солгандин кейин, шаҳар халқи ўзлари ул кўшунга баробар келолмай ва бошқа тарафдин мадад ва ионат етмоққа чора бўлмаганидин ноилож омон тилаб, дарвозани очибдур. Олимхон шаҳар одамларига дилдорлик ва марҳамат кўрсатиб, давлати тамом илан Олимхон Кировчи шахриға дохил бўлуб, бир неча кун ул шаҳарда ором олибдур.

Олимхон ўзи Кировчида туриб, миқдори ўн икки минг кўшуни Тошканд тарафидаги қозоқия ва элатия устига молу амволларини талон-торож қилиб келмоққа буюрибдур. Бир неча кун ичида Хўқанд аскар илан Тошканд атрофидин то Чимкандғача дашту саҳрода кўзга кўрунган ҳайвоноти чаҳорпо, чунончи, от, тева, қорамол, кўйдин беҳадду беҳисоб йиғиб олиб, Тошканд шахрининг

юқори тарафидаги Ниёзбек деган Тошканднинг илғори турадиган қалъани фатҳ қилиб, бир неча кун ичида Олимхон хизматиға борибдурлар. Олимхон дарҳол Мўминбек деган саркардани беш юз мерган ила Ниёзбек қалъасининг музофотиға буюруб айтибдурки, эй тоға эҳтиётилик билан иш тутуб, номус обрўни қўлдин берманг. Кировчи ҳокимини ҳам сизга тобеъ қилдим, у сизнинг амрингиздан асло тажовуз қилмас. Ҳар кун содир бўлган воқеот ва ҳодисотни менга еткуруб турасиз. Саломат бўлсам, йигирма кунда қайтиб келурмиз деб, қимматбаҳо сарупо бериб, чаповуллар олиб келган ўлжа ғаниматдан баъзиини Кировчи ҳокитмиға ва Тўйтепа ва Ниёзбек ҳокимлариға тақсим айлаб, зафар ва нусрат илан қайтиб, бир оз кунда Хўқанд дор ул-амаросиға дохил бўлуб, қўшунга хабар бериб, муддати йигирма кун отларингизни парвариш қилиб боқиб, аслаҳаларингизни бачоқ ва тайёр қилиб турунглари йигирма кундин кейин янадин Тошканд устига қўшин тортиб борурмиз деб таъкид айлаб, қўшун илан саркардаларга рухсат берибдур. Аскарлар бир неча кун фароғат айлаб, муддати йигирма кун тамом бўлгандин кейин янадин хабар юборуб, андак фурсатда ҳамма қўшун Хўқанд шаҳридин жўнаб, Арзиктепаға қўнуб, аскарнинг олди кетини жамълаб, ул манзилдин жўнаб, Окжарға қўнуб, ул мавзедин Кировчиға бориб ва атроф-жониби Қурамага одам юборуб, ўшал вилоятдаги тамоми аскарлар йиғилиб, ҳозир тайёр бўлуб турсин деб амр қилибдур. Онинг кетидин тўп-тўп, даста-даста жаррор қўшунларни пайдар-пай Тошканд устига буюруб, Олимхон Окжардин жўнаб Қамишқўрғонға қўнуб, эртаси андин жўнаб, Ёнбулоқ манзилиға қўнубдур. Ўшал кун Қурама атрофидаги саркардалар ва бийлар ва оқсоқоллар ва барча амалдорлар тўп-тўп бўлуб, тортуғ ва пешкаш илан амирни истиқбол қилибдур. Олимхон оларға яхши муомала кўрсатиб, ўз жойлариға қайтмоқға рухсат бериб, сахар вақтида ул манзилдин кўчуб, Кориз мавзеиға қўнуб, эртаси ул жойдин кўчмоқ бўлуб, кўп адад тўп отиб, кўчуб, Кировчи устига келиб қўнуб, қўшин ул жойда икки кун истироҳат айлаб, учунчи куни уруш асбоб аслаҳаларини тайёрлаб, Қурамадин йиғилиб келган қўшунларини Хўқанд қўшуни илан бирлаштириб, Тўйтепага келиб қўнган вақтда кўп адад тўп отибдур. Олимхоннинг Тўйтепага келиб қўнганини ва тўп овозини эшитган Тошканд аҳолилари хавф ва даҳшатга тушуб, дарвозасини беркитиб, ва пойламоқ [кутаётган] талон-торождин хавф қилиб, молу ашёларини беркитмоқ ва ерга кўймоқ ҳаракатиға тушибдур. Эртаси Олимхон Тўйтепадин кўчуб, Чирчиқ дарёсининг ўтиб, Қўйлик мавзеиға қўнуб, беадад тўп отирубдур. Вақтики, Олимхон Тошканд устига аввал мартаба келиб, Тошканд атрофини то Чимканду Сайрамгача молу ҳолларини талон - торож қилиб, Хўқандға қайтар вақтида Тўйтепа ва Ниёзбекга ўз тарафининг бек ва аскар куйиб кетган эди. Ул аскарлар Тошканд аҳолисининг зироатларини нобуд қилиб ва ўзларини Тошканд шаҳридин ташқариға чиқмоққа қўймай, узоқ вақт қамаб тургон жиҳатдин Тошканд шаҳри ичида ғалла топилмай, қимматчилик қаҳатчиликка айланиб, очликдин кўчаларда ёриб жон берган одамлар бўлуб, ҳаттоки, суллоҳхонадаги қўйнинг қорнига талашган одамлар бўлган экан. Шулар тариқа беқувватлик аҳволотда Олимхон тамоми аскар илан отланиб, шаҳар тарафиға яқинлашиб, худди Олимхон Солор наҳрининг лабиға қўнуб, сарпарда курдуруб, дарҳол саркарда ва бекбачча ва тожикиларни шаҳарни муҳосара қилмоқға амр қилибдур. Ул кеча ётиб, эртаси тамоми қўшунни шаҳарнинг ҳар тарафининг буюруб, шаҳар ичига тўп ва милтиқдин ўқни бамисоли ёмғурдек ёғдуруб худди амир ҳам ул урушда бирор соат ҳозир бўлуб хизмат қилганларга инъом бериб чодирга қайтиб келибдур.

Шул тариқа илан бир неча кун уруш қилиб Тошканд ичидин ҳам уларга муқовамат кўрсатиб, шаҳарни олмоқға имкон бўлмагандин кейин, қўрғонни тагидан лаҳм қовлаб, дору қўймоқға муқайяд [омода] бўлуб, бир неча кун лаҳм қовлаб, ичига милтиқдору тўлдуруб, тайёрлаб, ул лаҳмга ўт қўяр вақтда ҳамма тўпларни омода қилиб, аскарлар ҳам ул мавзеда ҳозир бўлуб, бирдан лаҳмга ва тўпларга ўт бериб, қўрғоннинг бир тарафини қоронғуликдин истифода айлаб, қўшин шаҳар ичига дохил бўлубдур. Бу хабарни эшитган Тошканд ҳокими Ҳомид хўжа беш-олти нафар хос одамлари илан шаҳардин қочиб чиқиб Бухоро тарафиға кетибдур.

Бу хабарни эшитган амир Олимхон Тошканд ўрдасига тожикларни буюруб, худди Олимхон бекбачча ва саркардалар илан ул куни шаҳардин ташқарида қўнуб, бир неча кун Тошканд шаҳрида туруб, Тошканд аёни вилоят ва акобиру ашрофларидин бир нечаларини «оқ уйлук» тариқасида Хўжандға юбориб, элатия бийларидин аксарларини *ярғу*²⁴⁰⁴ ва *таъзир би-л-мол* айлаб [молларини тортиб олиш билан жазо бериб], янадин ҳар қаюларини ўз расм ва одатларича ўз тойифасиға бий қилиб, Тошканд шаҳри ҳукуматини Лашкар *девонбеги*ға марҳамат айлаб, Олимхон Хўқанд дор ул-амаросиға азимат айлабдур.

²⁴⁰⁴ Ярғу, урғу – жарима, молу мулкни мусодара қилиш йўли билан жазо бермоқ.

Муддати бир йил ўтгандин кейин, Олимхоннинг хотирига бир фикр келиб, ўйлабдурким, вилояти Фарғонанинг бош-оёғи, то юзигача ва Тошканд шаҳри қозоқия ва андин сартия тамом мусаххар ва тобеъ бўлди. Амири Бухоро ҳам доираи маслаҳатда якдиллик, якжихатлик кўрсатиб, Кўхистон подшоларидин Кашмир тоғи доманаси[этаги]дан тортиб, Балхгача тобеъ ва мунқод бўлуб, Кошғар ва Етти шаҳар ҳокимлари ҳам ота-боболаридин тортиб, то шул вақтгача Хитой ҳукуматиға тобеъ ва мунқод бўлганларини мулоҳаза қилмасдин ҳаммалари бизнинг ҳукуматға тобеъ ва фармонбардор бўлуб, ҳар не қилган ҳукм ва фармонимиздин тажовуз қилмайду. Зикр бўлмишлар ҳар йили Хўқанд саркардалари қатори тухфа ва ҳадя юбориб турадулар. Анқун Дашти Қипчоқ тарафиға то Русия сарҳадигача сафар қилиб, оларни доираи итоатға киргузмак лозим умурлардинду.

[Амир Олимхон] бу муддаони кўнглиға жазм этуб, ҳамма вузаро ва умаро ва аёни мамлакатни ҳозирлаб, бу сафар хусусида маслаҳат қилишиб, ҳамма баробар бу маслаҳатға қарор беришиб, ризолик кўрсатгандин кейин, дарҳол подшоликдаги тевалардин уч юз тевани тайёрлаб, олис сафарға даркор бўладурган асбоб ва ашёларни юклаб, муътамад ва жаррор сарбонларни теваларға муаккил қилиб, Тошканд тарафиға жўнатиб, андақ фурсатда Фарғона қўшунларини жамълаб, асбоби сипоҳигари ва лозимоти қўшунни чоқ ва тайёр айлаб ўн кунда Тошкандға келибду. Шул аснода қиш қаттиқ бўлуб, совуқ ҳаддин ошиб, қўшуннинг аҳволи мутағаййир бўла бошлабди. Бовужуди қиш ва совуқнинг шиддатиға қарамай, Олимхон қўшун илан Тошканддин жўнаб, икки кунда Чимканд шаҳриға келиб, шаҳарни атрофлаб кўнуб, муҳосара айлаб, кўрғоннинг атроф-жонибидин тўп, милтиқ ота бошлабдулар. Муддати йигирма кун шаҳарни қамаб, ҳар куни уруш, отиш бўлуб, чоповул аскарлар дашту саҳролардаги элатияларни то Авлиёота ва Туркистон атрофлариғача бориб талон-торож айлаб, кўзга кўринган хоҳ ҳайвонот ва хоҳ одам, ҳаммасини ўлжа, асир қилиб, талаб, ўлдуруб келтурар эканлар. Ори, мусулмония ҳокимларининг қиладурган ишлари таламоқ, ўлдурмоқ, ўлжа, асир қилмоқдин иборат эди..

Қиш вақти ва совуқ қаттиқлик вақтида халойиқ ўз зиндакорчилигининг уҳдасидин чиқолмай турган чоқда Олимхон қўшуни уларнинг устиға бориб, талон-торож айлаганиға Худованди карим ўшал мазлумларнинг дуосини ижобат даражасиға етқуриб, дафъатан Олимхондин бахту давлат қайтиб, қўшун бузулуб, Хўқанд тарафиға қайтган хабарни амирга етқурубдулар. Вақтики аксар қўшун совуқнинг қаттиқлигининг қўл-оёқларини совуқға олдуруб, қўл-оёқсиз бўлуб, бевақт ва бежоиз қўшун қилганлик сабабидин аксар умаро Олимхондин дилтанг бўлуб, бир-бирлари илан маслаҳатлашиб, айтибдуларки: «Амирнинг бул қилган иши муҳолифи шаръи шариф, тоқат қилмаган ишға амр қилмоқду. Ҳаммамиз, бу қиш фасли ва совуқ вақтида дашту биебонда саргардон бўлуб, қўл-оёғимизни совуқға олдуруб, ажалдан илгари ҳалок бўлмоғимизни шаръ асло тажвиз қилмаса керак». Аксар қўшун Олимхондин қайтиб, хусусан, саркардалардин Ирисқулибек ва Мўминбек ва буларға ўхшаш бир неча улуғ саркардалар маслаҳатни бир жойға қарор бериб, Олимхоннинг укаси Умархонға келиб, арз қилибдуларким, ушбу вақт ҳамма қўшун Дашти Қипчоқда қор тагида оч ва харобликда қолиб, ўз аҳволотлариға дармонда бўлган вақтни ғанимат билиб, ўзларимизни Хўқандға етқуриб, ул вилоят одамлари илан иттифоқлашиб, хонликни ва ҳукумат ишларини ўз қўлларимизға олурмиз. Жондин тўйуб, умридан безор бўлган қўшун ҳам бу хабарни эшитиб, албатта бу маслаҳатни қабул қиладу деб, бу иттифоқни Умархонға маълум айлаб, қарийб бир минг мукамал қўшун илан кечалаб Тошкандға келиб, андин Хўқанд тарафиға жўнабдулар.

Бу хабарни Олимхонға етқурганларида, у ҳайрон ва саросима бўлуб, хотириға келибдурким, кўрнамак тоғаларимиз ва бийлар Умарбекни фириб илан йўлдан озғуруб, Хўқандға олиб кетиб охири бул вилоятларни душманға поймол қилдирадур, деб афсус илан ўрнидин туруб, ката ўғли Шохруххонни олдиға келибду. Шохруххон уйқуда экан, баъд Умархоннинг қўшхонасидин хабар олдура, қочиб кетганлиги маълум бўлубду. Сонян Шохруххонни кучоқлаб, афсус илан айтибду: «Эй ўғлум, бу ёмон ишни доимо мендан гумон қилиб, доимо сени танглик аҳволға тутуб, ҳеч бир равнақ бермай, ҳамиша шафқат ва муруватни ул кўрнамакларға қилур эрдим. Эмди бўлар иш бўлди, қазаға ризо бўлмоқ керак» деб, оҳу надоматлар қилишиб, дарҳол мулозим юбориб, қолган аскарни Чимканд ва Сайрам устидин қайтариб, кўрибдурким, ҳамма қўшуннинг аҳволи ва атвори бошқа тарзда, ҳаммаси ўз аҳволи илан овора кўринаду. Икки-уч кун Чимканд устида қўшунға ором бериб, барча амвол ва ашёларни қўшунға тақсим қилиб, қўшинға қараб айтибду: «Эй аскарлар, мен ҳар нимаки қилиб эрдим, азбаройи хайрияти авом ун-носи аҳли ислом, ободии мулки Фарғона эрди. Алҳамдулиллоҳ, оз фурсатда Тошканд музофоти ва Дашти Қипчоқни андақ саъй-ҳаракат илан фатҳ ва мусаххар айлаб, тобеъи Фарғона қилиб, Фарғона вилояти кенг ва восиъ бўлди». [Олимхон] андин Тошканд шаҳриға келиб, Тошканд ҳокимиға васиятлар қилиб, ўғли Шохруххонни анга сипориш

килиб айтибдурки: «Шохруххоннинг ёшлигига раҳм ва шафқат айлаб хифзи ҳимоятингда сақламоқға саъйи балиғ кўрсатурсиз». Олимхон васиятни эътимомига еткурғач, Тошканддин жўнаб, Тўйтепаға кўнубдур. Кечаси кўшун орасига бузуклик тушуб, аксарлари Олимхондин қочиб, ҳар манзилда бир минг, икки минг кўшун Олимхонни ташлаб, Хўқандга кета бошлабдур. Олимхон Кировчи устига келгач, Кировчи ҳокимини талаб қилганда, Олимхоннинг юзига дарвозани боғлаб беркитиб, амирни киргузмай, балки тўп ота бошлабдур. Амир Олимхон тамом мутағаййир бўлганлигини фаҳмлаб, от устида туруб, аркони давлат ила машварат қилишибдур. Қадимий давлатхоҳлар маслаҳат беришибдики, агар Хўжанд тарафи ила юруб, Хўжандга борсак, давлатхоҳларингиздан Хонқули мирзо Хўжандга ҳокимдур. Ҳамма асбобу аслаҳа тайёр агар Хўжандга киргудек бўлсак, Хўқанддаги кўрнамаклар Хўқандда туролмаи қочиб кетадур деб, баъзилари айтибдур Хўжанд йўли олис, Кандир давони ила борсак Хўжандга тезроқ етурмиз деб. Хулосаи калом маслаҳат бир жойга анжом топмасдан, амир Кандир тарафиға қараб азимат айлабдур. Ул куни Тилов саҳросига кўнуб, эртаси Кандир довони тагига кўнуб, эртаси хос ва муътамад одамларни Фарамсаройдин юрмоқға амр қилиб, худи Олимхон Кандир давониға юруб, давондин ўтуб, Қизил кўпрук даҳанасига етганда даҳанага тош илан чиб қилиб ўйлади: «Қанча марг ётган экан?» Олимхон кўшун ила ул жойда таваккуф қилиб турганида Ботур қўшбегининг отаси от қўйуб чибга қараб бўлган ҳамоно, бир ўқ кўкрагига тегиб, отдин йиқилиб жон берибдур. Олимхон бу аҳволни кўриб, қўлини дуоға кўтаруб, тузини ҳақлаб то шул жойғача биргалашиб келган аскарларни ҳақиға дуо қилиб, ҳаммасига ижозат берибдур. Худи Олимхон Қорамозор йўли илан Хўқанд тарафиға жўнабдур. Олимхондин ажралиб кетган кўшунни йўлда тўскунчи ва қароқчилар талаб, отларини, тўп ва яроғ-аслаҳаларини олиб, баъзиларини ўлдуруб, қолганлари пиёда, оч-яланғоч, кечалаб Хўқанд шаҳрига борибдурлар. Худи амир Олимхон Зухур девонбеги²⁴⁰⁵ ва яна уч нафар хизматкори илан Сирдарёнинг кечувидин ўтиб, Чорбоғи девона саҳросида мулозимларнинг оти чарчаб қолиб Зухур девонбеги илан Олти қушга етганда дарахтнинг орасидан бир одам бир милтиқ отиб, Олимхонни даражаи шаҳодатга еткурубдур²⁴⁰⁶. Бул воқеани кўрган Зухур девонбеги отга қамчин бериб, Хўқанд шаҳриға дохил бўлуб, тўғри ўрдага бориб, Умархоннинг оёғига йиқилиб, бошини қўюб, ўтган аҳволотни ва Олимхоннинг шаҳид бўлганини баён қилибдур. Умархон дарҳол одам юбориб, Олимхоннинг мурдасини хонлик либоси илан шаҳар ичидин ўткузуб, аҳли шаҳарга вафотини маълум айлаб, Фарғона хонларининг даҳмасига, оналарининг ёнига дафн қилдуруб, Зухур девонбегини ўз улуғунинг намагини оқлаб, шул даражада хизмат қилгани учун ўз муқарраблари қаторида мансаб тайин қилибдур.

Олимхоннинг айёми давлати салтанат ва вафотига шул тариқа форсий таърих топибдурлар:

Жулуси салтанати он амири Рустамдил,
 Ба лафзи ўзбеки Фарғона аст «ўн икки йил»,
 Ба даври салтанати тожикони хун ошом,
 Чунончи ҳар яки он аст наҳанги лужаи Нил.
 Ба забти қалъа бар бари аду миён мебаст,
 Фалак ба чашми аду нусраташ кашида мил.
 На хандақ ва на ҳисор ва на тўп сад(д) бишуди,
 Мисоли фирқаи Яъжуж зи бех кашад чу сел.
 Инони тавсани умраш қазо кашид охир,
 Чу пашша пеши ажал кушта шуд вужуди фил.
 Агар бижўйи ту тарихи соли фавт бикўши,
 Думи «бақо» ва сари «хоҳ» зи «хони Рустамдил».
 [Рустам юракли бу амирнинг салтанат даври,
 Фарғона ўзбекларининг тили билан «ўн икки йил».
 Қонхўр тожикларнинг подшолиги даврида ,
 Қайсики ҳар бири тенгсиз Нилнинг наҳанглари эдилар.
 Қалъа эгаллашда душманга қарши бел боғларди,
 Фалабадан фалак душман кўзига мил тортарди,
 На хандақ, на қалъа, на тўп унга тўсиқ бўла оларди,
 Яъжуж фирқасини худди селдек томирдан қулатарди.
 Такдир умр отининг жиловини охири тортди,
 Фил гавдали эди, бироқ ажалдан пашша каби ўлди.

²⁴⁰⁵ Девонбеги – девон, концеляриянинг бошлиғи.

²⁴⁰⁶ Олимхон 1810 йилининг баҳорида Қўқанд яқинидаги Данғара қишлоғида отиб ўлдирилди.

Агар унинг вафот йилини чиқармоқчи бўлсанг

«Бақо» думини ва «Шоҳ» бошини «хони Рустам дил» дан айир].

Махфий қолмағайким, «зи хони Рустам дил»дан «бақо» «алиф» илан «жоҳ»ни боши «жим»ни исқот қилганда, *тарих* [1225/1810] ҳосил бўладур.

Баёни воқеоти даври ҳукумати

Умархон ибн Норбўтахон

Ҳар вақт бир мамлакатки, инқилоб ва иғтишош ва фитна пайдо бўлуб, ўшал вақт хонларининг бошига ҳар хил шўришу фалокат, кушти давлат [давлат заволи] келтирадурғонлик сабаби аксар салотин шариат ва маъдалатнинг хилофига иш тутиб, қонуни шаръдин тажовуз қилағонликдин пайдо бўладур.

Шаҳе гар кунад такая бар теги тез,
Зи паҳлуи ў бигзаранд ҳамчу без,
Сазовори теғ аст ҳар теғ зан,
Мазан ту касеро ва хунат марез.
Ба некўйи ту бигзарон умри худ,
Ба як давр маёяд он бар ту низ.
Зи атвори гардун ту ғофил мабош,
Ситезандаро пеш ояд ситез.
Бидидам дар атвор мизони адл,
Мукофотро кора бош эй азиз.
Наўйи дар ин даҳр озори мўр,
Ки ар мор гардад наёби гурез.
[Агар шоҳ ўткир қиличига суянса,
Биқинига без каби (тешиб) ўтадилар.
Тиғ урувчи тиғ (дан ўлиш)га сазовордир,
Сен ҳеч кимга тиғ урма ва қонини тўкма.
Умрингни яхшилик билан ўтказ,
[Ёмонлик қилсанг) у сенга ҳам бирор пайтда қайтади.
Фалакнинг одатидан ғофил бўлма,
Душманлик (хусумат) қилувчига душманлик етади.
Адолат тарозисининг ўлчовида кўрдим,
Мукофот (эваз)ни ёқтирмовчи бўл, эй азиз.
Дунёда чумолига ҳам озор бермовчи бўлсанг,
Илоннинг домига тутилмовчилардан бўласан].

Умархони жаннатмакон табъи латиф ва ройи зариф ва жамии ахлоқи ҳасанага муттасиф [эга] бир зот бўлган сабабдин тамоми уламо ва фузало ва содот, машойих ва вузаро ва умаро, сағир ва кабир ҳамма баробар иттифоқлашиб, арки ўрдага ҳозир бўлуб, яна қайтадин Умархонни ўзбек хонлари расмича оқ намадга солиб қорилар «Ана фатаҳна» сурасини²⁴⁰⁷ ўқиб, кўтариб, Фарғона тахтига ўткузуб, тамоми жамъ бўлган халойиқлар таҳният ва муборакбод овазасини арши аълоға еткурубдурлар.

Андин кейин Умархон ҳозир бўлганларининг ҳар қаюлариға муносиби аҳвол, жома ва дастор [салла] инъом айлаб, барчаларини шод ва масрур қилибдур. Кундин кун Умархоннинг аҳволи марзия [маъқул] ва атвори писандидаси оламға шойиъ ва зоҳир [маълум] бўлуб, андак фурсатда ҳамма аҳли Фарғонанинг кўнглини ўзиға жазб ва мусаххар қилиб, эски ва қадимги бидъат ва зулмларға, шаръи шариф манъ қилган ишларга мутлақ барҳам берибдур.

Олимхон асрида ҳар кимдин зўрлик илан тортиб олиб аскар қилинган қулларни ўз хўжаларига топшуруб, Олимхоннинг зулмидан бошқа шаҳарларга қочиб, жудойи ватан, оввораи ғурбат бўлуб юрган одамлар Умархон хизматиға қайтадан келиб, паноҳ тортганларга шафқат назари илан қараб, уларнинг ҳар қаюлариға муносиб мансаб ва баъзи тортук ва пешкаш қаторида келтурулган қуллар бўлса оларнинг қобилиятиға қараб, жой ва ўрун бериб, тамоми тожикларни ўз жойларига кетмоққа рухсат бериб, уларнинг улуғларига баҳодир вазифахўрлар қаторида жой бериб, Олимхон вақтидаги амалдорларни тағйир ва табдил қилиб, Муҳаммад Нурхўжа ном тожикка *ҳудайчилик*²⁴⁰⁸ амал бериб,

²⁴⁰⁷ Қурони карим 48 : 1.

²⁴⁰⁸ Ҳудайчилик – ҳидоятчи сўзидан, хон саройидаги унвон.

бир юз нафар тожик номдорлардин туғ ва байроқ илан анга топшуруб, Зийнат шоҳ, қози Ниёз-Муҳаммад ва Абду-л-Боқий ва буларга ўхшаш улуғларни умаро қаторига дохил айлаб, Норбўтахон надимларидин Олимхон вақтида Бухороға қочиб кетган Қобул мирзо ва Ғариб *ясовул* ўғли Умархон хузурига қайтиб келган экан, уларни ҳам вазифахўрлар қаторига киргузуб, бу ўртада Тошканд ҳокими Лашкар *қўшбегига* супориш айлаган Олимхоннинг ўғли Шохруххонни ўлдурубдурлар.

Шаҳон ки ба хуни жигар сурхрў,
Шуда ёфтанд дар жаҳон обрў,
Матое ба хуни жигар мехўранд,
Наярзад ки фардо ба як рў ба рў.
[Жигар қони билан қизил юзли бўлиб,
Жаҳонда обрў топган шоҳлар,
Дунё матосини жигар қони билан сотиб олишлар,
Эртага азобга рўбару бўлишларига арзимаиди].

Ирискулибек, Мўминбек ва Қитоқий *баходир* Олимхоннинг улуғ бошлуғ саркардаларидан бўлуб, Умархонни Чимканд устида йўлдан чиқариб, Олимхондин қайтариб Хўқандға келтуруб хон қилган эдилар. Умархонга баъзи давлатхоҳлар арз қилибдурки, бу зикр бўлмишлар Олимхонни саранжом қилгандин кейин, Умархонни ҳам ўртадин кўтариб, Ирискулибекни хон қилурмиз деган маслаҳатлари бор деб уларнинг афъоли замиъа ва атвори шаниъаларини батафсил аён қилибдурлар. Бул аснода Олимхондин қочиб, Бухороға кетган Ражаб *қўшбегии* Умархоннинг хон бўлуб, Калли Шохий Марғинонликнинг Фарғона мамлакатига *мингбоши*²⁴⁰⁹ бўлганлигини эшитиб, ўз атбоъ ва авлодлари илан Умархон хизматиға келибдур. Булар келгандин кейин Ражаб *қўшбегининг* кўрсатган маслаҳати бўйича Ирискулибек, Мўминбек ва Жумъабой Қитоқий кўрнамакларни ўлдуруб, мамлакат ичидаги фитна ва кудурат бир тараф бўлуб, кундан-кун Умархоннинг ривожии тараққий ва ривожланибдур.

Икки йил ниҳоятда осойишта ва фориғболлик ҳукмронлик айлаб, андин кейин Калли Шохийни Хўжандға ҳоким қилиб, онинг ўрнига Юсуф Қошғарийни *мингбоши* ва *амири лашкар* қилиб, маслаҳат айлабдурким: «Юсуф *мингбошини* аскар илан душман устиға юборурмиз токим, онинг қуввати бозуси ва шавкати аморатини душманлар назари диққатига олсунлар». Ҳамма бу маслаҳатга қарор бериб, кўшун жамълаб Ўратепа устиға бормоқға Юсуф *мингбоши*ға фотиҳа ва ижозат берибдурлар. Умархондин руҳсат олгандин кейин Юсуф *мингбоши* кўшунни жамълаб, фотиҳа олиб, уч кунда аскар илан юруб Ўратепа устиға бориб икки саркардани Ўратепа устиға қўйуб худи Юсуф *мингбоши* бошқа саркарда ва кўшун илан тўрт кун ичида оқар Оқбулоқдин то Самарқанд атрофиға ча чоповул айлаб, ҳар нима тўғри келган ва кўзга кўринган беадад чорпо ва беҳад одамларни асир айлаб, Оқсув устиға келиб қўнибдур. Қуввату қудрати етган мусулмония ҳокимлари бир-бирларини талон-торож қилмак, ўлдирмакдин бошқа ҳунарлари йўқлиги ҳаммага маълум эди.

Оқсувдин оҳисталик илан кўчуб, муддати тўрт кун ичида ҳамма аскар илан Хўқанд шаҳриға дохил бўлуб, Умархонга манзур бўлуб, қилган хизмати ва ғайратини баён қилганда, Умархон хурсанд ва фараҳманд бўлуб, Юсуф *мингбоши*ға сарупои шоҳона инъом айлаб, хизмат кўрсатган йигитларнинг ҳар қаюларига сарупо ва муносиби аҳвол амал ва ёрлик бериб келтурган ўлжани йигитларга баробар тақсим қилиб бермоқға фармойиш айлабдур. Тақсимдин фориғ бўлгандин кейин ҳамма аскарларга ўз жойларига бормоққа амр қилиб, тахту салтанатда фориғболлик ила ҳукмронлик айлаб, андак вақтдин кейин Тошканд ва Дашти Қипчоқ тарафиға саёҳат қилиб, ул тарафларда раоё ва бароёларни аҳволотидин воқиф ва огоҳ бўлмоқ муддаосида баъзи хос умаро ва саркардалар тайинлаб, олар бирлан Тошканд тарафиға азимат айлаб, шаъну шавкат илан Умархон Қурама устиға қўнибдур.

Ул вилоятнинг аён ва ашрофларини талаб айлаб, ҳаммалариға муносиби аҳвол қимматбаҳо жомалар бериб, бидъати қадимларни барҳам айлаб, аҳкоми шаръи шарифни жорий қилмоқ хусусида уларға таъкид қилиб, ҳамма ҳозир бўлганларни ўзларидан рози ва хурсанд айлаб, эртаси Кировчидан кўчуб, йўл устида куннинг иссиғ вақтида арз қилувчиларнинг арзини эшитиб, тамоми асъаса ва дабдаба илан от устида бир-икки соат таваққуф айлаб, арзини хуб эшитиб, лойиқ ва муносиб жавоб айтиб ўтар эдилар. Шулар тарик юруб, Тошканд дарвозасиға етгунча мазлумларнинг арзу додини сўраб, золимларга сиёсат кўрсатибдур. Тўйтепадан кўнган вақтда Тошканднинг уламо, фузало ва умаро ва улуғлари тортуғ ва пешкаш ила келиб манзур бўлибдур. Эртаси Тошканд тарафиға азимат айлаганда Тошканднинг тамоми уламо ва умаролари, улуғ хон Чирчиқ дарёсидин ўтуб фуқароларга рўбару бўлган ҳолда ҳамма бирдан дуо қилишиб, Қўйлуқ мавзесидаги омода қилинган саропардаға

²⁴⁰⁹ Мингбоши – минг нафар сарбоз бошлиғи, хонликда барча ҳарбий ишларга бошлиқ ва масъул ҳарбий амалдор.

тушубдур. Андак истироҳат айлаб, отланиб, Солор лабига келганда, Солор лабидин то Тошканд ўрдасигача кўчанинг икки тарафида фуқаролар қатор турушуб, эъзоз ва икром илан Умархонни Ўрдага тушуруб, подшоҳларга муносиб зиёфати олий тайёрлаб, бир неча кун Тошканд шаҳрида истиқомат ва истироҳат айлабдурлар. Бир неча кундан кейин Тошканд шаҳрига Лашкар беклар бегини²⁴¹⁰ ҳоким айлаб, Лашкар беклар бегини ва онинг фарзандларига сарупои шоҳона бериб, бошқа саркардалардин онинг мартаба ва манзилотини мумтоз айлагандин кейин, Лашкар беклар бегини Тошканд шаҳри ва онинг атрофидаги тамоми сартия ва қозоқияларнинг улуғларига буюруб ҳозирлаб, ҳаммалари тортуғ ва пешкашларини Умархонга манзур айлаб, уларнинг ҳар қаюларига Умархон сарупо ва мансаб бериб, ўз жойларига қайтмоққа рухсат айлабдур. Андин кейин Умархон Ражаб қўшбегини Туркистон шаҳрини мусаххар қилмоққа амр қилиб, кўп миқдор қўшун илан Туркистон тарафига равон айлабдур. Ражаб қўшбегини уч кун йўл йуруб тўртинчи кун саҳар вақтида Туркистон қўрғонининг тагига бориб, ҳамма ширин уйқуда ётган вақтда қўрғондин ошиб тушуб, Туркистон шаҳрини мусаххар қилиб, бул шаҳардаги хазинага тегишли ҳамма молу ашёларни тасарруфига олиб, Туркистон ҳокимини давлатхоҳ одамлари илан ушлаб, ҳаммасини Умархонга юборуб Туркистон атрофидаги элатияларни ўзига қаратибдур. Бул хабарни эшитган Умархон хурсанд бўлуб, давлатхоҳи қадимийлардин Шайх Бадал додхоҳ²⁴¹¹ деганни Туркистон шаҳрига ҳоким қилиб, қимматбаҳо сарупо ва дастор ва ёрлиғ бериб, умури шаръийда маҳкам ва устувор турмоқликга тарғиб айлаб, Туркистонга юборибдур. Шайх Бадал додхоҳ боргандин кейин Ражаб қўшбегини шаҳарни онга топшуруб, Умархон хизматиға келиб, кўп инъому эҳсонга сазовор бўлубдур. Умархон бир неча вақт Тошканд шаҳрида туруб уламо ва фузалоларға инъому эҳсонлар бериб, уламоларнинг ҳар қаюларига муносиби аҳвол саруполар ҳадя айлаб, ҳаммаларининг кўнглини ўз тарафиға мойил қилдуруб, тажаммули тамом ва хурсанди молоколлом ила хазойин ва дафоинларни ортиб Хўқанд шаҳриға равона бўлуб, андак фурсатда Хўқандға дохил бўлубдур. Амир Умархон тахтга ўлтургонларининг олтинчи йилида масжиди Жомеъ биносини бошлаб, саккизинчи йилида итмомиға еткурубдурлар. Хўқанд масжиди Жомеъсининг тарихи:

Амири жаҳондор хуршеднур,
 Зи худ кард хурсанд наздикону дур.
 Заифон ҳамма шоду хуррам аз он,
 Фақирон з- эҳсони ў дар сурур.
 Ятимон фаромўш карда падар,
 Зи шихони базлаш ҳамма дар ғурур.
 Гаибон ватанхо фаромўш карданд,
 Зи базлаш ҳамма кард зи х(в)ешон нуфур.
 Ба давлат шуда шайху олим азиз,
 Азизон ҳамма гашт ки нузур.
 Зи масжиди жомий кашиданд тарх,
 Зи хукми жаҳондор эҳсон вуфур.
 Ба ду сол итмоми таъмири ў,
 Шуда аз каромоти султон вузур.
 Бигуфто хирад соли тарихи ў,
 Бипурси зи ман «боз жомий зухур».
 [Жаҳон эгаси қуёшдек нурли амир,
 Яқину узокдагиларни ўзидан хурсанд қилди.
 Бечоралар ундан шоду хуррам,
 Камбағаллар эҳсонидан хурсанд.
 Етимларнинг эсига оталари келмайди,
 Саховатидан барча одам ғурурда.
 Мусофирлар ватанларини унутган,
 Инъомидан барча (тўқ бўлуб) қариндошларига иши
 тушмайди.
 Унинг даврида олимлар иззатли,
 Азиз кишилар эса, назру ниёзга ғарқ бўлган.
 Жоме масжидини тарҳини туздилар,

²⁴¹⁰ Беклар бегини – бу унвон ва амал фақат Тошкент ва Дашти қипчоқ волийси берилган. Ҳарбий ва маъмурий амалдор.

²⁴¹¹ Додхоҳ – саройда хонга аризачиларнинг арз ва додларини етказувчи ва уларга нисбатан хукмдорнинг жавобларини олиб берадиган амалдор.

Эҳсони фаровон ҳукмдорнинг ҳукми билан.

Икки йилда унинг қуриб битирилиши,

Бу султоннинг кароматларидан бўлди.

Унинг *тарих* йилини ақл:

Мендан сўрасанг «боз жомеъ зуҳур бўлди» деди].

«Боз жомеъ зуҳур» тарих бўлмоғига сабаб, Олимхон мундин муқаддам масжиди Жомеъ ўрнига мадрасаи олий бино қилмоқ бўлуб, деворини одам бўйи баробар ишлангандин кейин монё илан тўхталиб қолиб, Олимхондин кейин Умархон аввало бинони бузуб, ўрнига иккинчи мартаба масжиди Жомеъи шариф ва мадраса бино қилган экан. Ва дигар шулки, Хўқанд шаҳрининг жамияти ушбу жомеъ биносидин сўнгра маълум ва машҳур бўлганлик сабабидин «боз Жомеъ зуҳур» модаи *тарих* бўлибдур.

Умархоннинг тахтга ўлтургонига ўн йил бўлганда Ўратепа ҳокимлари ва Хўқанд хонлари миёналарида низо ва муҳосамат пайдо бўлган ваҳҳдин Самарқанд элатияси ва Хитой, Қипчоқ ва қорақалпоқ бекларидин Умархонга хат-хабар юбориб, арз қилибдурким: «Бизларнинг борамизда шафқат ва марҳаматингизни дариғ тутмай, Диззах устига кўшун тортиб келсангиз, бизлар жиловингизда хизмат қилар эдик». Бу хат-хабар мазмунини аркони давлатга маълум ва машварат айлаб, элчига сарупо ва инъомлар бериб, ҳамма акобиру ашрофлар илан маслаҳатни бир жойга кўйиб, лашкар жамъ қилмоқга муқайяд бўлишиб, бир оз фурсатда кўб кўшун тайёрлаб, асбоби сафарни муҳайё ва омода қилиб, тамоми Фарғона аскарини ҳозирлаб, Дашти Қипчоқ кўшинини ҳам йиғиб келтурмоқ учун Тошканд ҳокими Лашкар беклар бегиға амр юбориб, Умархон асъасаю дабдаба илан Хўқанд шаҳридин жўнаган вақтида уламо, фузало ва фуқаро кўчаларга томоша учун чиқиб, амирға фотиҳа берибдурлар.

Умархон ўшал куни Хўқанддин чиқиб, Қушкўприкка кўнуб, иккинчи кун Бешариқ мавзеиға бориб, учунчи кун Конибодом қуруғиға етиб кўнубдур. Тўртинчи кун Қароқчиқумга, бешинчи-кун Хўжанд шаҳриға бориб, ул шаҳарда муддати уч кун ором олиб, кўшуннинг олди-кетини жалаб, андин жўнаб Қўштегирмонга бориб кўнибдур. Ўшал кун Лашкар беклар беги Тошканд, Дашти Қипчоқ ва Қурама кўшунларининг саркардалари илан Хайрободдин ўтуб, Умархон аскарига кўшилудурлар. Лашкар беклар беги борасиға Умархон шавкат ва марҳамат кўргузуб, тамоми саркарда ва умароларни ўз ҳузуриға ҳозирлаб, кўшунни қаю тарика юргузмаклик тўғрисида машварат қилганда айтибдурлар: «Эй, подшоҳи олампадох, кичик душманни оёқ остиға ва орқага ташлаб қавий ва забардаст [кўли баланд] душманнинг устига бормоқ ақл ва маслаҳатдин хориждир. Яна маслаҳат амири равшанзамирнинг [очик кўнгил] раъйларидадур [ихтиёрларидадир]».

Умархон аларнинг сўзиға жавобан айтибдурким, Худованди карим ионатиға таваккал айлаб, бизлардин ёрдам ва нажот сўраб, хат-юборган халқнинг устиға бориб, оларға нажот ва дилдорлик бериб, Фарғона аскарининг қуввату иқтидорини душманга кўрсатиб, Диззах шаҳрини муҳосара қилмоқга ҳиммат кўрсатмоқ лозим. Бул миёнада қорақалпоқ ва хитой-қипчоқ аҳволотидин воқиф ва огоҳ бўлуб, оларга шафқат ва марҳамат кўрсатиб, аҳволпурслик қилмоқ лозимдур, деганда ҳамма бил-иттифоқ бир маслаҳатга қарор бериб, эртаси Қўштегирмондин кўчуб, Хавос устиға бориб кўнуб, эртаси Хавосдин жўнаб, эртаси Ём мавзейиға кўнуб, эртаси андин жўнаб Диззах устиға етиб кўнибдур. Бир кеча ул мавзеда ётгандин кейин эртаси чоповул кўшунни то Самарқанд тобиотиғача буюруб, қолган кўшун илан Диззах муҳосарасиға машғул бўлубдурлар.

Мажмуи қипчоқия тортуқ ила келиб, Умархонга манзур бўлуб, уларнинг ҳар қаю бошлуқлариға сарупои шоҳона бериб, қолганларига ҳам баробар жомалар бериб, ҳаммасини сарафроз қилибдурлар. То қирқ кунгача Диззах устида туриб, Диззах ва Самарқанд миёнасидаги жойлардин келганларга сарупо инъом қилиб, бул миёнада ҳар кун Диззах шаҳрини муҳосара айлаб, уруш қилиб, ҳар икки тарафдин ўлган ва ярадор бўлганларига раҳму шафқат айлаб, Диззах устидин кўчуб, қайтмоқга амр қилиб, ҳамма саркардалар ва кўшун оҳисталик ила кўчуб, Ўратепа устидин ўтиб, олти кунда Хўқанд шаҳриға дохил бўлуб, ҳамма саркарда ва кўшунга ўз жойларига бормоқга ижозат берибдурлар.

Умархоннинг тахтга жулусига ўнинчи йилнинг аввалида Маҳмудхон тўраи Аҳрорий амири Бухоро тарафидин Ўратепага ҳоким эди. Умархонга дўсту ошно бўлмоқ муддаосида хабар юборибдур. Бу хабари масарратосорни [хушхабарни] Умархон эшитиб, ул улвийзоданинг садоқатиға амният ҳосил айлаб, дарҳол кўшун бўлмоғиға фармон бериб, Хўқанд шаҳридин асъасаю дабдаба илан жўнаб, Ўзбектепага кўнуб, кўшунни жамълаб олгач, андин кўчиб Беш ариқ мавзеиға қулуб, андин жўнаб, муддати олти кунда Ўратепа устиға етиб кўнибдурлар. Маҳмудхон тўра волии Ўратепа

авсофи ҳамидаи Умархонни эшитиб, дўст ва ҳамсухбат бўлмоқ орзусида эканлигини фаҳмлаган Умархон аз рўйи одоб [одоб ила] надими хосларидин бир одамни Ўратепа шаҳрига Маҳмудхон тўранинг хизматиға юборибдур.

Маҳмудхон тўра ул одамга эъзозу икром кўрсатиб рухсат берибдур. Эртаси Маҳмудхон тўра қимматбаҳо асбобу ажнослардан тортуғ олиб аркони давлатлари илан Муғ аркидан чиқиб, Умархон кўшуни тарафиға равона бўлибдур. Умархон бул хабарни эшитуб, махсус улуғлар билан хос саропардада ўлтуруб, саропарда атрофига бир минг мерган йигитларни зийнатлик либос ила музайян ва мухайё айлаб, кутуб турган ҳолда Маҳмудхон тўра саропардага дохил бўлиши илан Амир Умархон ўрнидин туриб бир-бирлари илан кучоклашиб кўришиб, бир-бирлари илан муҳаббат ва садоқат илан ширин сўзлашиб, Умархон ҳамма саркардалардин юқори, ўз ёнида жой бериб ўлтургизиб, қолган содот ва уламоларга муносиб жой кўрсатиб, алвони неъмат ва анвои фавокиҳлар тортуб, баъд аз фароғи таом тўрага худи амир саропардасининг ёнида бир олий саропарда тайёрлаб берибдурлар. Ўшал кечаси умаро ва саркардалар маслаҳат қилишиб тўрани Хўқандға олиб бориб, Марғилонга ҳоким қилиб, хос ва муътамад оламлардин бир одамни Ўратепага ҳоким қилмоқ бўлибдурлар. Бул маслаҳатни маъқул кўрган Умархон Ўратепани Ражаб қўшбегига топшуруб, Маҳмудхон тўрани ўзлари илан олиб Хўқанд шаҳриға қайтиб келибдурлар.

Андак вақт ўтгандин кейин юзия ва қирқия жамоанинг бекларидин Муҳаммадраҳим оталиқ²⁴¹² ном бир саркарда ўз элатиялари ила иттифоклашиб тўғри Ўратепа шаҳриға дохил бўлуб, шаҳар халқини ўзиға тобеъ айлаб, Муғ аркига Ражаб қўшбегига одам юборуб Муғ аркидин чиқиб кетмоқни талаб қилибдур. Ражаб қўшбегини уч-тўрт кун мадуро ва мавосо айлаб, охири Ўратепа ва Муғ аркини ташлаб ўзига қарашли одамлари илан Хўқанд шаҳриға чиқиб кетибдур. Ражаб қўшбегини беуруш ва бенизо Ўратепани ташлаб келганлигига Умархон малоли хотир бўлибдур. Зероки, аскарини орасида Ражаб қўшбегини илан Муҳаммадраҳим оталиқ миёнлариға хуфия мавозаат [алоқа] бўлуб Ўратепани Муҳаммадраҳим оталиқға муфту мажонан [осонгина] бериб келганлиги шойиъ [ошкор] бўлуб, ул хабар Умархонға масмуъ бўлубдур. Тахтга ўлтурганининг ўнинчи йилида Умархон Эрназарбек девонбегини Тўрақўрғонга ҳоким айлаб, Ражаб қўшбегини ҳамроҳ қилиб юбориб, онинг кетидин мулозим юбориб, Ражаб қўшбегини ўлдуруб дарёга ташлабдур. Ҳар амалики, баъзи мардумлар борасиға қилибдур, ўзига қайтибдур. Жулусининг ўн биринчи йилида Олимхоннинг қизи Умархоннинг ҳамшираи айнийларини Маъсумхон тўра Маҳмудхон тўрага бериб, домодлиғ мансабига сарафроз қилибдур. Жулусининг ўн иккинчи йилида Бозорқули меҳтар²⁴¹³ ким Умархоннинг надими хос ва муқаррабларидин ҳам меҳтар ва ҳам афғон ва тоғлик ва понғози туғлари онинг қўлиға топшурулғон хоннинг аниси жалисларидин аксар ҳукумат онинг қўлида экан. Исфара ва Бекбачча маҳаллаларининг миёнасида ҳовли олиб ўрдаи олий бино айлаб, иморат тамом бўлганидин кейин Умархонни таклиф айлабдур.

Арки олийдин то ўз уйигача кўчаларга кимхоб атласдин пойандоз солиб, амирнинг бошидин тилло танга нисор айлаб, ғоятда шаъну шавкат ила уйиға тушуриб муддати ўн икки кун Умархон онинг ўрдасида туриб, сипоҳ ва кулли баҳодирларға ва ҳамма уламо, фузало ва оқсоқолларға сарупо бериб, Умархон шул ўрдада турмоқни хоҳиш қилган экан. Лекин қазои қадар ўз ишига машғул бўлиб кундин-кун дарду-алам зиёда бўлиб, ноилож хонни дор ул-аморога элтибдурлар. Ул жойда тобора касали зиёдалашиб 2-3 кундин кейин «кулли нафсун заикат ул-мавти» [барча тирик жонзод ўлимга маҳкум] шарбатини нўш этиб [ичиб] олами фанодин дор ул-бақоға рихлат айлабдур²⁴¹⁴. Вафот ва жасадларини бир кеча кундуз махфий сақлаб, Умархоннинг 14 ёшга кирган ўғли Муҳаммадалихонга ҳамма аркони давлат ва аёни мамлакат байъат қилиб, қасамёд айлаб, подшоҳликнинг ул русуми бўйича Муҳаммадалихонни оқ намадга солиб хон кўтарибдурлар²⁴¹⁵. Муҳаммадалихоннинг қайнотаси Юсуф мингбоши тоғлик ҳамма саркарда ва умароларга бошлуғ, ҳам маслаҳатбоши экан. Тахтнинг атрофиға муҳофазат учун хос ва муътамад одамлардин тайинлаб қўйуб, андин кейин Умархоннинг вафотини шойиъ ва ошкора айлабдур. Ўшал куни гўёки қиёмати сағир барпо бўлгандек ҳамма улуғу кичик, амиру вазир, шоҳу гадо Умархонга таъзия ушлаб, гиряи зор айлаб, жаноза учун дахмага олиб борар аснода халқнинг анбуҳ ва адади туфайлидин жанозани кўчада олиб бормоққа имкон бўлмай, Юсуф мингбоши бош бўлуб, ҳазор машаққат илан дахмай шоҳонага келтуруб, оналарининг ёнига дафн қилибдурлар. Умархон аксар умрини уламо ва машойих ва содоти иззом ва

²⁴¹² Оталиқ – валиаҳд ёки ёши кичик ҳукмрон ўрнига давлатни бошқарган шахс.

²⁴¹³ Меҳтар – катта дегани. Хон ва унинг саройидаги хос маҳрам. Хонликда хон отхонасининг бошлиғи ҳамда закотчи. Қаранг: Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. Тошкент: Янги аср авлоди, 2006, 18 б.

²⁴¹⁴ Мушрифнинг «Шоҳномаи нусратпаём» асарида келтирилган маълумотга биноан Умархон 30 декабрь 1822 йили/13 раби II 1238 йили вафот этган.

²⁴¹⁵ Муҳаммадалихон-Мадалихон 14 раби II, жума куни тахтга кўтарилди.

хўжағони киромлар суҳбатиға сарф қилиб, табиати шеърға мойил ва шуаропарвар ва ниҳоятда олижаноб эди.

Умархоннинг асида ва суҳбатида бўлган уламо, фузало ва машойих ва мударрислардин Зокирхўжа эшон Намангоний ва домла Мирзойи қозикалон марҳумий ва ҳазрат домла Мўминбек марҳумий ва ҳазрат домла Абду-л-Карим марҳумий ва ҳазрат Мавлавий Кобулий ва ҳазрат домла Ориф Пскатий волиди махдуми Ҳамом. Маснади аморатда ҳамжулуслардин [яқин сўхбатдошларидан] Исҳоқбек ном амирзодаи Бухоро валади амир Шоҳ Муродхон додари (укаси) Амир Ҳайдар подшоҳи Бухоро ва Султон Тўрайи Аҳрорий ва Маҳмудхон тўраи Аҳрорий ва Маъсумхон тўра Махдуми Аъзамий (шу охиргиси Хур Офтоб ойим, худи амири марҳумини синглисининг Эри) ва тўра Хўжа Калон Махдум Аъзамий ва Эшонхон ва Тўраҳон тўра ва Жаҳонгир тўра Саййид Офоқий, мазкурлар амирға доимо ҳамнишин бўлуб, ҳар амреки подшоҳликка тааллуқ бўлса, уламо тоифаларига ҳавола қилиб, ҳукми шаръийни жорий айлаб, ҳар вақт амирнинг мажлисида уламоий муаҳаққиқлар бўлуб, уламоий хушомадгўйдин парҳез қилур экан. Булардан бошқа Умархон «Мажмуъат уш-шуаро» барпо қилиб, закий ва зариф шуаролардин жамъ айлаб, ҳамма шуароларнинг айтган қасоид ва ғазалиёт ва ашъоратларини жамълаб девон қилгандур. Умархон асри Фарғонанинг энг обод, илм ва фазл тараққий этган, атроф жонибдаги вилоят ва мамлакатлардин Умархоннинг авсофи ҳамидасини эшитган уламо ва фузало ва шуаролар жамъ бўлуб, илм ва фазл ривож топган эди. Хусусан, Умархон ўзи шоири ширинсухан эди. Айтган шеърлари Фарғона ва бошқа вилоятларда машхурдур. Умархон шеърларидин ҳурматли қориларға намуна деб бир икки ғазални ушбу жойда такрор қилдим. Чунончи, мухаммаси Амир бир ғазали Залилий:

Саҳар чаманда қулоғимга бонги уд етар,
Башорати карами вожиб ул-вужуд етар.
Бир кечаким тўлин ой соғариға жуд етар,
Фалак пиёласидин шарбати шухуд етар,
Саводи сурма дема кўзлариға дуд етар.

Тариқат аҳлини андишаси қаноатдур,
Вужуд шамъини куйдурмак анга одатдур.
Чу соф бўлса кўнгул анжуманида хилватдур,
Чироғи хонақоҳи сўфиён не ҳожатдур.
Ситораи фалак, гумбази кабуд етар,

Ҳавои ишқида парвонавор тайр этгил,
Ани висол умидида тарки ғайр этгил.
Вужуди кивсатини силкит, кори хайр этгил.

...

...

...

Нишод маҳфилидин ганжи байт ул-эхзон хуб,
Агарчи булбули шўридаға гулистон хуб,
Манга жаҳон элини базмидин гўристон хуб.
Навойи навҳаи ҳар қабрдин суруд етар.

Фиғонки, ғафлат ила нақд бўлди хубо.
Ҳабиб равзасиға етмадим чун боди сабо,
Амир эдим агарчи муҳиб ул-або,
Насибаи чу жароҳат Залилий во ажабо.
Муҳаммадий эдим-у шарбати шухуд етар.

* * *

Лаб ўлур не комға зулфингни паришон қил.
Қанд қийматини синдур, нархи шакар арзон қил.

Хусн элини шоҳи сен, мен каби гадоларға,
Кўз учи билан боқиб хайр бирла эҳсон қил.

Ишқ диниға мунаққир бўлса зоҳиди худбин,
Эй санам, лиқо кўрсат, габрни мусулмон қил.

Ихтисоб учун зоҳид кўрса дайр аро соқий,
Бир қадах била они зуҳдидин пушаймон қил.

Истасанг кўнгилларни ғамза тиғиға қурбон,
Қошларинг ҳилолини моҳи ийди қурбон қил.

Шарҳи чашми навхат сен, ноз даштида сайр эт,
Гарди хоки пойингни сурмаи ғазалхон қил.

Хулосаи калом, Фарғона хонларининг ибтидосидин интиҳосиғача Умархон жаннатмакондек хон ўтмагандур. Раҳматуллоҳи алайҳ.

Воқеоти даври салтанати Муҳаммад Алихон ибн Умархон

Умархон вафот қилгандин кейин ҳамма вузаро, умаро, уламо, фуқаҳо улуғу кичик ҳамма иттифоқ илан ўн тўрт ёшга кирган Муҳаммадалихонни от йили 1239 ҳижрийда/1823 милодий, куз фаслида хон кўтарубдурлар²⁴¹⁶. Салтанатни иккинчи йилида Муҳаммадалихонни аммаси Умархонни қизи Ойчучук ойимни ўғли Исҳоқхон тўрани Тўрақўрғонга ҳоким айлаб, баъзи бежо ҳаракатлари тўғрисида тўраи мазкурни салтанатнинг учинчи йилида ўрнидин маъзул айлаб, Бухороға ихрож қилибдур.

Мазкур йилда Юсуф *мингбошини мингбошилиқ*дин маъзул айлаб, Марғилон шаҳриға ҳоким қилиб, онинг ўрниға юзия жамоасидин Ҳаққулини *мингбошилиқ* мансабиға сарафроз қилибдур. Ушбу йилда он бодияпаймойи тариқат ва раҳнамойи шариат, ҳодийи гумроҳон ва маҳдийи роҳ равон матлуб топиб, яъни, жаноб ҳазрат Соҳиб Бухородин Хўқанд шаҳриға келибдурлар. Ул зоти бобарокотнинг Хўқандға келганларига таърих:

Дар замонеки Муҳаммадалихон ибн Умар,
Буд волийи Фарғона шаҳи ҳукмрон,
Соли *тарих* ҳазору ду саду чихилу ду,
Ёфт ин мулк шараф аз қудуми қутби замон.
[Ул замонеки, Муҳаммадалихон ибн Умар,
Фарғона волийси эдию шоҳи ҳукмрон.
Бир минг икки юз қирқ иккинчи йили²⁴¹⁷,
Бу мулк ул қутби замон қадамидин шараф топти].

Жулуснинг тўртинчи йилида Умархони жаннатмакон хоҳарининг [синглисининг] эри Маъсумхон тўрани ҳам Фарғона мамлакатидин ихрож қилибдур. Жулуснинг бешинчи йилида Юсуф *мингбошини* Марғилондин чиқариб, ҳаж тарафиға юборубдур. Юсуф *мингбоши* мазкур ҳаж йўлида вафот қилибдур. Жулуснинг олтинчи йили Муҳаммадалихоннинг аммаси Офтоб ойим дор ул-фанодин дор ул-бақоға рихлат қилибдур. Жулуснинг еттинчи йили Фарғонанинг машҳур уруғларидин Эрназар *девоубеги* ва Хушвақт *қўшибеги*ни қатл қилибдурлар. Жулуснинг саккизинчи йили Исобек андижонликни *меҳтарлик* мансабиға мансуб қилиб, кўшун бўлган вақтда фуқароларга «улов пули» деб соладурган бидъат солиғ пулини Исобек чиқарган экан. Хон мадрасасининг итмоми ушбу йилда Мирзо Ёдгор мубошарати илан итмомиға еткурулубдур. *Тарихи* итмоми бинойи мадрасайи Хон:

Гуфтам ба хирад дар пайи тарих бикўш,
Бигуфто ки «ҳазору ду саду чихилу шаш».
[Ақлига дедим: унинг *тарихи*ға ҳаракат қил.
Деди: «Бир минг икки юз қирқ олти»]²⁴¹⁸.

²⁴¹⁶ Муҳаммадалихон-Мадалихон 14 раби II, жума куни тахтга кўтарилди.

²⁴¹⁷ Тарих санаси (1826/27) йили бўлади.

Жулусининг тўққизинчи йилида Бузурукхон *тўра* Жаҳонгирхон *тўра* ўғли ўзига қарашли бир неча минг хўқандлик, қошғарлик одамлар ила Фарғонадин қочиб, Қошғар вилоятига бориб, хитойлар ила жанг қилиб, хитойларнинг Гулбоғ деган тўфроқ кўрғонини қамал қилибур.

Жулуснинг ўнинчи йилида Исобек *меҳтар* ҳам Қошғарга қочиб кетибдур.

Жулуснинг ўн биринчи йилида Муҳаммадалихон ва аркони давлат Қошғарга, Хитога қўшун қилмоққа ғайрат қилиб, андак фурсатда қўшунни жамъ ва ҳозир айлаб, уруш аслаҳасини ва сафар тадорукни айлаб, уруш аслаҳасини ва сафар тадороқини тайёрлаб, қўшуннинг учидан бир ҳиссасини Хўқандга қўйиб икки ҳисса аскар ила Хўқанддин чиқиб, Қошғар тарафига равона бўлуб, андак фурсатда Қошғар давонидин ўтуб, Қошғар музофотига дохил бўлганда Бузурукхон *тўра* ўзига тобеъ кўп адад одамлар ила пешвоз чиқиб, йўлуқуб, бир-бирларига эъзоз кўрсатуб, от устида кўрушуб, аҳвол сўрашуб, Қошғар шаҳрига дохул бўлуб, Маҳаммадалихонни бир хушҳаво, кенг, восиъ боғу бўстонга тушурубдур. Ул вақтларда Хитойнинг Гулбоғ деган кўрғони Қошғарнинг ичида бўлуб, қошғарликлар Гулбоғни муҳосара қилиб ётган экан. Эртаси Бузурукхон *тўра* одоб юзасидин Қошғар қўшунини Гулбоғ устидин қайтариб, муҳосара ишини хонга ва Фарғона қўшунига ҳавола қилибдур. Фарғона қўшуни Гулбоғни фатҳ қилмоққа кўп жустужўлар айлаб, ҳар куни жанг қилиб, охири Туфроқ кўрғоннинг тагига лағм ковлаб, милтиқдору ёйиб, ўт қўйдуруб, кўрғоннинг девор ва тупроғини кўкка совуруб, ислом аскарлари қалъага югурганда қалъа ичидаги хитойлар кўрғонининг раҳнасини олиб тўп ва милтиқ илан отиб, ҳарчанд мусулмонлар кирмоққа жаҳд қилсалар ҳам хитойлар монё бўлуб, кўп одамлар шаҳидлик даржасига етиб уч дафъа мусулмонлар қалъага югуруб кирмоқ бўлганда хитойлар йўлларини тўсиб қайтарибдур. Тўртинчи дафъа югурмоқ бўлганида Муҳаммадалихон қўшуннинг ўлган ярадор бўлганларни олиб қўшун қайтсун деб амр қилибдур. Жами ўлган ва ярадор бўлганларни олиб, кўрғонни тагидин олис жойга келиб, қўшун шаҳидларни ҳазрати Офоқ жуворларига дафн қилиб бир ҳафта туриб, Қошғарни ва Хитой жангини Бузурукхон тўрага тафвиз айлаб, ярадорларни ўзлари илан бирга олиб Хўқанд тарафига азимат айлаб, андак фурсатда Хўқанд шаҳрига келибдурлар. Бир ой ўтгандин кейин Бузурукхон *тўра* Хитой Гулбоғини фатҳ қилган хабари келиб, Хўқанд шаҳрига шодиёналар бўлибдур.

Муҳаммадалихон тахтга ўлтурганининг ўн учинчи йилида Хитой қўшуни келиб, Қошғарни Бузурукхон *тўра* қўлидин олиб, тахти тасарруфига киргизибдур. Бузурукхон *тўра* неча минг одам илан яланг оёқ, яланг бош, безоди роҳила [йўл орзиқисиз] бола-чақа, ката-кичик жилойи ватан бўлуб, Фарғона вилоятига келибдур. Жулуснинг ўн тўртинчи йилида Абдурахмон *шарбатдор*ни домла Эрназар илан қўшуб кўп қимматбаҳо асбобу-ажнос, ҳадя илан Истамбулга, халифага элчи қилиб юборибдур. Жулуснинг ўн бешинчи йилида элчилар ҳазрат Халифа хизматидин кўп нафис ҳадялар ва қимматбаҳо матолар ила мураххас бўлуб, Фарғона вилояти тарафига қайтиб, асноий роҳда [йўлда] Абдурахмон *шарбатдор* вафот қилиб, Муҳаммадалихон борасига ҳазрат Халифа ҳар нимаки лутф ва меҳрибонлик қилибдурлар, домла Эрназар Охунд олиб келиб, мўбамў [муфассал] баён қилиб ҳазрати Халифа юборган подшоҳона либосни мажаммаъ мажлисда кийиб, ул либоснинг ҳурмати ва поси хотири учун Муҳаммадалихон ҳамма вузаро ва умароларга либосҳойи фоҳира бахшиш айлаб, оммайи фуқароларга тўй қилиб, ош бериб, ғарибу-ғураболарни мамнун ва шодон қилибдур. Жулуснинг ўн олтинчи йилида Қошғар вилоятининг Хитой илан ғазот қилмоқ учун Фарғонадин беадад қўшун жамълаб Хўқанддин чиқиб, Қошғар тарафига равона бўлуб, тўрт кунда Ўш шаҳрига келиб қўнибдур. Мазкур шаҳарда уч кун таваққуф айлаб, аркони давлат ва аъёни салтанат маслаҳат ва машваратлари бўйича Ҳаққули *мингбоши* ва Муҳаммад-Шариф *оталиқ*ни аскарга бош қилиб, ижозат ва фотиҳа бериб, Қошғар тарафига равона айлаб, Муҳаммадалихон яна бир кеча Ўш шаҳрида туриб хоса баҳодир ва хоса мерган ва маҳрам туплари илан Ўшдин қайтиб, Андижонга бориб, Андижон, Шаҳрихон Марғинов ораларинда ўн беш кун юруб, Хўқанд шаҳрига келибдур. Қошғарга буюрилган қўшун Ўшдин чиқиб, тўрт кунда Олой довонидин ўтуб, Ноғора чалди мавзеига қўнуб, эртаси Хитой *қоровулхона*сига етиб, *қоровулхона*даги Хитой қоровулларини қатл этиб, ул кеча ўша жойда ётибдурлар.

Эртаси қарийб ўн минг Хитой қўллариди ўқ-ёй илан келиб, лашкари исломнинг садди роҳига тушуб, уруш анжомини қилиб турган аснода Фарғона қўшунининг талабгор ва баҳодир йигитларидин қилич яланғочлаб, гўёки оч бўри қўйга чопгандек, ўзларини Хитой қўшунига уруб, қаттиғ уруш қилиб, андак фурсатда аксар хитойларни ўлдуруб ва асир айлаб, бу аввалги фатҳу нусратга шодиёналар чалиб, кеча ул мавзеда ётиб ором олибдурлар.

²⁴¹⁸ Тарих санаси 1830-31 йилга мутобиқ.

Эртаси хитойлардин тушуриб олган жазоир ва камон ва аслаҳа ва қалмоқ ва хитой[лик] асирларни Муҳаммадалихоннинг хос надимларидин Туғди *иноқ* деганни бош қилиб, Хўқанд шаҳрига юборуб, қўшун тўғри Қошғар шаҳрига дохил бўлибдур. Муҳаммадалихоннинг Қошғарга қилган аввалги сафаридин кейин хитойлар Гулбоғни Қошғардин бир тош олис масофага ниҳояти мустаҳкам туфроқ кўрғон бино айлаб, ичига неча йиллик озик-овқат ва асбоб-аслаҳа тайёрлаб, кўп илғор қўйуб, тайёр қилгон эканлар. Улар ҳам мусулмон ила уришмоққа омода бўлуб турубдур. Фарғона қўшуни Қашғарга дохил бўлгондин кейин аёни вилоятлар келиб, кўрушуб, бир-бирлари илан муҳораба тўғрисида маслаҳатлашиб, эртаси Қошғардин чиқиб, Гулбоғни қамаб, бир ўқ етадургон жойга чодир тикиб саркардаларга Гулбоғни атрофлаб қамаб уришга омода бўлсун деб амр қилибдур. Ҳар куни уруш қилиб, икки тарафдин тўп туфанг, жазоир отилиб, кўрғон тагидин нақб ковлаб тайёрламоқ бўлуб турган вақтларида, бир кун чоштгоҳда ҳамма ғофил ва хотиржамъ қўшхоналарда ётган маҳал бирдан хитойлар Гулбоғдин чиқиб, ўзларини ислом лашкарига уриб, шовқину ғавғо айлаб, баъзиларни ўлдуруб, баъзиларни ярадор қилиб, баъзилар қочибдурлар. Бу аҳволни кўруб, Ҳаққули *мингбоши* ва Муҳаммад-Шариф *оталиқ* ҳар иккиси якбора қилич яланғочлаб, отга миниб, давлатхоҳ ва гала баҳодирлар илан хитойларга тегиб, кўп хитойларни ўлдуруб мағлуб айлаб, хитойлар қочиб қалъага кирибдур. Хитойлар қочиб Гулбоғга кирганларини кўриб, мусулмонлар ҳам, шаҳид бўлганлар ва ярадорларни олиб, шаҳидларни ҳазрати Офоқ жуворлариға дафн айлаб, ул кеча уруш бўлган жойда ётиб, эртаси хитойларга элчи киргизуб айтибдурки, агар Қошғар мусулмонларига яхши муомалат кўрсатиб беузр ва беҳуда хитойлардин Қошғарга, мусулмонлар ичига киргизмай, баъзи фоҳиш ишларға барҳам бериб, ёмон одамларни Гулбоғга йўл бермагундек бўлсанг бизлар сани устингдан кўчуб кетармиз ва илло умримиз борича ва бул шаҳар фатҳ бўлмагунча кетмасмиз. Элчи Гулбоғга Хитой улуғиға бориб, бул муддаони баён айлабдур. Хитой улуғлари уларни муддаоларини қабулға олиб, элчига қимматбаҳо сарупо ва мусулмония аскар бошлиқлариға нафис ҳадялар бериб, элчини узатиб келмасдадурлар. Бу хабарни эшитиб, Хўқанд аскарлари қайтиб, Қошғарга кириб, бир неча кун туриб, баъзи Хўқанд хонлариға давлатхоҳ ва ихлосманд қошғарликларни ўзлари илан кўчириб, Хўқанд тарафиға азимат айлаб, андак фурсатда Хўқанд шаҳрига дохил бўлуб Муҳаммадалихонға манзур бўлибдурлар.

Муҳаммадалихон Фарғона тахтиға жулус қилғонининг 20-йилида амири Бухоро фасли тийрамоҳ[куз]да, ақраб ойида, қўшун тортиб келиб, қиш фасли бўлган сабабдин то Маҳрамғача келиб, Маҳрамда тўхтаб, Хўқандға келмасдин қайтиб кетибдур. Агар ўшал вақтда келса ҳам, фатҳи Фарғона тезлик ва осонлик илан муяссар бўлмас экан.

Жулуснинг йигирма биринчи йили баҳор фаслидаким иборат савп фаслидур, амири Бухоро беҳад ва беадад қўшун ва тажаммули тамом илан Фарғона фатҳи ниятида Бухородин жўнаб, Фарғона сарҳади Бешариқ мавзеиға келиб қўнганлик хабари Тошкандға, Султон Маҳмудхонға етиб, Султон Маҳмудхон Тошканд қўшуни илан Хўқандға келиб, Муҳаммадалихонға қўшилибдур. Амири Бухоро Бешариқдин жўнаб Сарифсув мавзеиға кўнуб, андин Найманчага келиб тушуб, ўшал куни муқаддимоти лашкарни Хўқанд шаҳрини қамаб, атроф жонибидин югурмоқға амр қилибдур. Эртаси амир Найманчадин жўнаб, Ойимқишлоқға²⁴¹⁹ келиб кўнуб, бир ҳафта хўқандликлар ила уруш қилиб, фуқаро ва раоё аҳли сипоҳлар ила муҳорабаға суствлик ва ожиз эканлигин фаҳмлабдур. Ва яна ўшал вақтда Хўқанд шаҳрининг атрофида мустаҳкам қалъа кўрғон йўқ экан. Бо вужуд бир ҳафта уруш қилгандин кейин оломони манғитиянинг ютилишидин хўқандликлар ожиз келиб, қочмоқға мажбур бўлибдур.

Бухоро қўшуни кўплигининг фуқароларни зер-забар қилиб, тўғри Хўқанд шаҳрига бостириб кирибдур. Бо вужуд, Хўқанднинг баъзи ёш баҳодир йигитлари шаҳар кўчаларида то мадрасайи Хон ва сой лабиғача бир неча жойда манғитияларни тўхтатиб, уруш қилиб, олардин кўп нобуд ва ҳалок қилса ҳам, охири Хўқанд сипоҳийлари Муҳаммадалихон ва Султон Маҳмудхонни олиб, шаҳардин чиқиб қочибдурлар.

Амири Бухоро шаҳарға дохил бўлиб, тўрт соат шаҳарни талон-торож қилмоқға амр қилиб, хаттоки, мадрасалардаги китоблар ва масжидлардаги жойномозлар қолмай, ҳаммасини оломони манғития йағмо ва торож қилиб, эркак ва заифаларни яланғоч ва бараҳна айлабдур. Тўрт соатдан кейин амир аскарларни талон-торождан тўхтатиб Муҳаммадалихон ва Султон Маҳмудхоннинг онасини бир неча улуғларнинг заифалари илан дастгир айлаб, қатл қилиб, улардин бошқа Муҳаммадалихонни бир неча давлатхоҳлари илан Муҳаммадалихоннинг ўғли Муҳаммад Аминхонни 14 яшарлик ҳолатида қатл қилибдур.

²⁴¹⁹ Андижоннинг Жалол қудуқ туманидаги қишлоқ номи. У атрофдаги барча ерлар билан Умархоннинг хотини Нодирабегимга берилган эди.

Эй забардасти зердаст озор,
Доимо турмагай қизик бозор.
Зулм тиғин равомудур сурмак,
Бегуноҳларни мундоқ ўлдурмак,
Шоҳларни ишидурур шафқат,
Шаҳ асир қилса шаҳ қилур ҳурмат.

Муҳаммадалихон ва Султон Маҳмудхонлар қочиб, амири Бухоро Хўқандға келиб киргандин кейин кўп йиллардин бўён атроф-жонибдин Хўқандға келиб туриб қолган халқларни ўз вилоятлариға кўчуб кетмоқға амр қилиб, кўчирибдур. Муҳаммадалихонни дастгир қилгандин кейин, уларни кўчмоқдин тўхтатиб, Муҳаммадалихон ва Султон Маҳмудхонни ҳам қатл қилгандин бошқа бул миёнада кўп адад одамларни ҳам бегуноҳ ва бежурм [беайб] қатл қилинибдур. Хўқанд шаҳридаги узамо ва содот, машойиху уламо ва фузалойи зу-л-эҳтиром ва умаройи нукташунос ва ҳунармандони дақиқасос ва мастурағони божамолларнинг ҳаммаларини бадрақа ва *оқ уйлук* қилиб кўп озор ва маломат илан Бухороға юборибдур. Ҳукуматға тааллуқ асбоб-аслаҳа чунончи тўпу-тўфанг ва асбоби жанг, хазина, дафиналарнинг ҳаммасини йиғиб Бухороға юбориб, тамоми Фарғона вилоятини бухороликларга тақсим айлаб берибдур. Амири Бухоро ўн етти кун Хўқандда туруб, андин кўпроқ турмоқға илож топмай, Бухороға қайтибдур. *Тарихи* вафоти Муҳаммадалихонни ушбу тариқа топибдурлар: «Муҳаммадалихони шаҳид» [шу жумла] ҳукми модаи *тарих* тушубдур (1258 хижрий/1842йил)²⁴²⁰.

Амир Бухороға жўнаб кетгандин кейин, аҳволоти аҳли Фарғона мутағаййир ва паришон бўлуб, эркагу хотин, каттаю кичик девонадек кўчаю бозорларда жабр ва зулму ситами манғитга дучор бўлуб, уларнинг ҳукмронлигиға ризолик кўрсатмас эдилар. Чунки уларнинг эътиқодича, подшоҳи Бухорони одил ва шафқатшиор ва маъдалатосор фаҳм қилиб эканлар. Вақтики, Фарғона вилоятини тахти тасарруфиға олгандин кейин раоё ва бароёға жабр ва зулм қила бошлаб, беқоидалик кўрсатиб, халқнинг нафратиға сабаб ишлар қилинибдур.

Амири Бухоро Фарғонадин қайтган вақтда Иброҳим Хаёл деган бир тарёки одамни Фарғонага волий қилиб қўйган экан. Ул одам беҳайрона ҳукмлар қилиб, аҳволнинг тағайнор ва табдилиға сабаб бўлубдур. Чунончи, амири Бухоро жўнаб кетгандин икки ой, ўн етти кун ўтгандин кейин жамоайи сартия ва қипчоқия ва қирғизия Фарғона аҳолилари илан иттифоқлашиб, Олимхон вақтида ваҳму ҳарос айлаб, кетган Шералихон ибн Ҳожибек ибн Абдурахмонбек ибн Абдулкаримхон ибн Шохруххонни Талос мавзеидин олиб келиб, Тўрақўрғонда уч кун тўхтатиб, ўшал атрофдаги қўшунни жамълаб, Хўқанд тарафиға юруш қилиб, Сирдарёдин ўтгандин кейин манғитияларга хабар етибдурким, Хўқанд хонининг авлодларидин Талосда турган бир хонзода хуруж қилиб амакиси Муҳаммадалихоннинг хунини ва ҳам мулку меросини талаб айлаб, кўп адад қўшун илан Хўқандға ҳозир айлаб, жанг қилмоқға тайёр ва омода бўлуб, Хўқанддин чиқиб уруш қилмоқға хавфу ҳарос айлаб, уларға муқобил бўлолмай, Бухоро қўшуни тўғри Хўқандға қараб жўнабдур.

Шералихон фатҳу нусрат илан Хўқанд шаҳриға дохил бўлуб, ота-боболарини маврусий тахтиға ўлтурубдур. Бухоро қўшуни қочиб, Шералихон тахтға ўлтурганига *тарих* «беҳаё бесару по гурехт» [ҳаёсиз бош оёғсиз кочти] модаи *тарих* тушубдур. «Сару пойи беҳаёдин» «бе» [2 рақами] ила «алиф» [1ни] исқот қилиб «гурехт» [600] ға дохил қилинса, *тарих* ҳосил бўлур.

Воқеоти жулуси даври салтанати Шералихон дар тахти Фарғона ба жойи

Муҳаммадалихон ва иккинчи мартаба амири Бухоро келиб, Хўқанд шаҳрини муҳосара айлаб, фатҳ қилолмасдин мақсудға етолмай қайтиб кетгани

Ва вақтики Шералихон Фарғона мамлақатиға маврусий [мерос] тахтиға ўлтурганидин кейин уламо ва машойих, умаро ва фузало, оқсоқол ва мўйсафедлар аввалги хонлар расму одатларича оқ намадга кўтариб, Фарғона мамлақати хонлигиға муқаррар қилгандин кейин Шералихон барча аёни мамлақатни йиғиб, ҳаммалариға дилдорлик бериб айтибдурлар: «Молу мулкларингиздан торож ва талаф бўлганига ғам андуҳ қилманглар. Талафи моли халаф умрсизларни нобуд бўлган молларингиз эвазига Худованди карим неча баробар еткурадур. Каминани сизларнинг борангизға еткуруб, аз баройи нангу номуси мамлакат ва мулкдорлик ва посдори салтанат ва шаҳриёрлик даражасига муқаррар қилди, эмди зарур ва лозим шулдурким, аз баройи дафъи зарари душман ҳар қандай

²⁴²⁰ Мазкур воқеалар 1842 йили май ойида содир бўлгани кўп манбаларда қайд этилган. Шунда Муҳаммадалихон 38 ёшда эди.

маслаҳат бўлса сизларни тадбирларингизга мувофиқдур. Не тариха маслаҳат қилсангизлар оммайи халойиқ муҳолиф бўлмаса керак».

Уламо ва умаро янги амирларидин бундай маслаҳатомуз ширин сўз эшитгандин кейин ҳаммалари хурсандликларидин дуога қўл кўтариб, хоннинг умру давлатининг узоқ муддатлар зиёда ва барқарор бўлмоқлигини Аллоҳ таолодин масъалат айлаб, шул тариха арз қилибдурларким жаҳонпаноҳо, ҳар маслаҳатики хоҳиш қиладурлар, суратпазир, савоб ва яхши маслаҳатдур. Лекин, мазмуни «ва шовархум фи-л-амри» [ҳар бир ишда улар иблан маслаҳат қилмоқ керак] қирқ ёки эллик кун миёналарида душман бизларнинг устимизга келса ажаб эмас, лозим шулким, улар келмасдин илгари атроф-шаҳарга қалъа, қўрғон, ўр, хандақ айлантуруб, тайёр қилиб қўйсак, зероки Фарғона аҳолилари, Бухоро халқи ва манғит тоифасининг кўрсатган зулму таадийларидин дилгир ва озурдахотур бўлуб, ваҳму ҳаросдадурлар. Агар манғития бул тарафга азимат айлабдур деб эшитсалар, ҳамма халқ кўчуб қочиб, беқалъа ва бедарвоза очуқ шаҳарда ҳеч ким қолмас», деб айтибдурлар.

Шералихон аркони давлат ва аёни вилоятларнинг кўрсатган маслаҳатларича уларнинг иттифоқлари илан атроф-жонибга хабарчи юбориб айтибдурким, оқсоқол ва мутасаддилар фуқаро ва мардикорларини жамълаб, ўз оқсоқоллари ишнинг бошида туруб, шаҳарнинг қўрғон ва хандақларини тезлик илан итмомиға еткурсинлар деб. Фарғона аҳолилари ҳаммалари хурсандлик илан келиб, мутасадди ва оқсоқолларнинг кўрсатган иттифоқлари илан шаҳарнинг атрофиға чиқиб қўрғон турғузмоққа ва хандақ қазимоққа машғул бўлуб, муддати қирқ кунда Хўқанднинг қибла тарафидин қўрғони итмомиға еткурган вақтда хабар етишибдурким амири Бухоро қўшун тортиб келадур деб. Қишлоқ халқи ғалла ва хашак, асбоб ва олотларини шаҳарга киргузуб, қамалиб шаҳарнинг қалъаси тамом бўлмаган шарқ тарафини хас-хашак илан ип бойлаб ва хандақ қазиб беркитмоқ ҳаракатида экан аснода Бухоро қўшунининг муқаддимаси дашту сахрони тутуб, Самарқанддин Хўжанд то Хўқанднинг дарвозасиғача келиб, бул миёнадаги Фарғонага тобеъ зироатларни талон-торож айлаб, Хўқанд шаҳриға кирмоқ хаёли илан келиб кўрибдурларким, атроф шаҳарга қалъа, қўрғон барпо этилиб, тўпхоналарга тўп, жазоир, милтиқ ва мерган тайёрлабдурлар. Бул ахволотни кўруб Бухоро қўшуни орқасиға қайтиб, қўрғондин олисроқ жойға қўнубдур. Эртаси Бухоро амири шону шавкат ва асьасаю дабдаба ва ҳад-ҳисобсиз қўшун илан Хўқанднинг ғарб тарафидаги Арзиқтепа мавзеиға келиб кўрибдурким, шаҳарнинг атроф-жонибиға баланд ва мустаҳкам қалъа бино қилинибдур. Хўқанд музофотининг улуғлиги ва халқининг жамиятиға таҳсин ва офаринлар қилиб, муддати бир ойда бул тариха матин ва мустаҳкам қўрғон бино қилмоқ ҳаммаси бизларнинг бул вилоятларға аввал мартаба келганимизда уларға лутфу марҳамат кўрсатмай, беҳуда таадий ва зулм илан талон-торож қилиб, баъзи аёни вилоятларни қатл айлаб ва баъзиларини ўз вилоятларидин ихрож ва бадарға қилғонимизни касофатиға бизларни юзларимизға дарвозаларини беркитиб, тўп илан дафъ ва рафъ қилмоқға омода бўлубдурлар деб, кўп фикр ва хабарлар илан шаҳарнинг қибла томонидаги Ойимқишлоқға қўнуб, уч кунгача жаҳл ва ғазаб юзасидин қўрғонға аскарни югуртуриб, ҳарчанд тўп, милтиқ, ўқни ёмғирдек ёғдирса ҳам ҳеч коргарлик қилмай, уларнинг қилган зарбасини шаҳар ичидин рад қилиб жавоб берибдур.

Тўртинчи кун Бухоро қўшуни Муйи Муборак тарафиға ўтуб, Хўқандға сув кирадурган сойдин югурган экан, ичкаридан тўп илан шундай жавоб берибдурларким, Бухоро аскарни сойнинг ичида сойнинг тошидек ўқға учуб, йиқилиб ўлубдур. Ўшал жойдин иккинчи, ва учунчи кун югуриб, ҳеч мақсудлар ҳосил бўлолмай, охири ул мавзедан жўнаб Хўқанднинг шарқ тарафидаги Тўқайтепа²⁴²¹ мавзеиға қўнуб, амири Бухоро ниҳоятда ғазаб илан ўзлари отланиб, Хўқанднинг офтоб чиқар тарафида икки дарвозадин, яъни Дарвозаи Марғинон ва Тоғлиқдин аскарни югуртуриб, ҳаттоки Дарвозаи Тоғлиқдин шаҳар кўчасиға Бухоро қўшуни кириб, кўча ба кўча Навбахорғача²⁴²² келибдур. Зероки, шаҳарнинг шарқ тарафидаги қалъа ва ўр тамом бўлмай, ул тарафлар қалъа ўрдин холи ва очуғ экан. Бу хабарни эшитуб хўқандликлар ўшал тарафға хужуми ом қилиб, етиб келиб кўчадин, девордин, томдин, тирборон қилиб, шаҳарға кирган Бухоро аскарларидин аксарларини қатл айлаб, баъзисини асир қилиб, қолганлари қочиб чиқибдур. Хулосаи калом бул жойдин ҳам муддао ҳосил қилолмабдурлар.

Шул тариха илан Бухоро қўшуни муддати икки ой Хўқандни қамаб ётиб, бу муддат ичида Хўқанддин «оқ уйлик» қилиб олиб кетган Хўқанд умароларидин Шоди *dodxo* бир неча бошқа умаролар илан амир қўшунидин қочиб Хўқандға, Шералихон хизматиға келибдур. Бу ҳодисадин амир Хўқанд устида турмоқдин ожиз бўлиб, қайтиб, Хўжандға келиб, Хўжанд шаҳрини Хўжа

²⁴²¹ Бугунги Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги қишлоқ. Янгиқишлоқ жамоасиға киради.

²⁴²² Тоғлиқ мавзеининг шимолида жойлашган маҳалла, шаҳарнинг шимол-шарқида бўлган.

Калонга бериб, Бухоро тарафига азимат қилибдур. Хўжанддин ўтгандин кейин Хўқанддин «ок уйлук» қилиб олиб кетган Хўқанд саркардаларидин Тангриқули *шизовул* ва Азимбой *қўшибеги* ва Солиҳ *судур*²⁴²³ ва Муҳаммад-Ниёз *ҳудайчи* ва Тангриқул *иноқ* ва Муҳаммад-Карим *ясаул* ва Қотурма *оғалуқ*²⁴²⁴ ва бошқаларни Хўқандга қайтаруб юборубдур. Улар келуб, Шералихонни кўруб, ҳаммаларига муносиби ҳол мансаб берибдур. Амир кетгандин кейин Хўқанд шахрини чала қолган ўр ва қалъасини итмомиға еткурубдурлар. Муҳаммадалихон ўлдурулуб, олам бошқа, одам бошқа бўлган вақтда ҳазрати Калон Соҳибзода ҳаждин қайтиб Хўқандга келганларини шул тариқа ёзибдур:

Саҳрову бихору жумлаи роҳ,
 Қатъ ҳаммаро бикарда як моҳ.
 Мажмуи халойиқу вилоят,
 Карданд ҳамма пешвози ҳазрат.
 Ташрифи нузул ёфт Хўқанд,
 Гаштанд ҳамма хосу ом хурсанд.
 Диданд фискаи қавми золим,
 Гардида фаношаи мулозим.
 Пўшида либоси тоза олам,
 Пур одам ва нав зи кўҳна одам.
 Рафта ҳамма молҳо ба торож,
 Аз шумии фисқи мардуми гож.
 Дилдории мардуми вилоят,
 Медод зи рўйи раҳму шафқат.
 Ёбед шумо он наёбад,
 Ҳар кас бикунад ҳамон биёбад.
 Аз шумии қавми он вилоят,
 Ёбанд тазаллуми мукофот.
 Ин кори на банда кори тақдир,
 Омад ба сари жавону ҳам пир.
 [Саҳро, денгизлар ва йўлнинг барчасини,
 Бир ойнинг ичида босиб ўтди.
 Вилоятнинг барча халқи,
 Ҳазратни кутиб олишга пешвоз чиқди.
 Хўқанд бу улуғ ташрифни топди,
 Каттаю-кичик барчаси хурсанд бўлди.
 Золим қавмнинг фосиқ кишилари,
 Буни кўриб, барчаси даф бўлдилар.
 Олам янги либос кийди.
 Эгри одамларнинг шумлигидан,
 У раҳму шафқат юзасидан,
 Вилоят одамлариға далда берарди.
 Сизлар ёмонлик топмайдиган нарсани топинглар,
 Чунки ким нима қилса, ўшани топади.
 Бу вилоят қавми ул қавм ёмонлигидан,
 Албатта зулмга қарши мухофат топадилар,
 Бу банданинг иши эмас, тақдирнинг иши.
 Бу ёшнинг ҳам, кексанинг ҳам бошига келди].

Бу ҳикоядин муддао, Худованди карим бир тоифа халқни тағйиру табдил қилмоқни хоҳласа, ул тоифанинг атвор ва ахлоқини тағйир бериб, ондин кейин ул тоифани маҳв ва нобуд қиладур. Шунга ўхшаш Фарғона хонлари, чунончи Муҳаммадалихон ва ондин кейинги хонлар ва вузароларнинг фасод ахлоқлари ва раиялариға марҳаматсизликлари мамлакатларининг қўлларидин кетмоғиға сабаб бўлгандур. Вақтики, Шералихон мустақил Фарғона тахтиға хонлик маснадиға ўлтургандин кейин Ёрмозор ва Марғинон ҳукматини Шоди *додҳо*га берибдур. Муҳаммад- Шариф *оталиқ* Тошкандга амири Бухоро тарафидин ҳоким тайин бўлгон экан. Онга элчи юборуб айтибдурким: «Тошканд ота-бобомиздан бўён Хўқандга тобеъ бўлуб келган эди, агар итоат қилсангиз мартабангизни мундин ҳам

²⁴²³ Судур – вақф мулкларининг даромадларига ва ҳисоб-китобига жавобгар киши.

²⁴²⁴ Оғалиқ – оғалуқ, иноқ мансабидаги амалдор.

зиёдароқ қилинадур». Онинг жавобиға. Муҳаммад-Шариф *оталиқ* айтибдурки: «Манга бу мулкни амири Бухоро бергандурлар. Шералихон эмас, ҳар ким мандин мулк талаб қилгундек бўлса уруш, қилич, милтиқ қуввати илан оладур». Бу миёнада бир неча элчи ва мактублар юборилса ҳам Муҳаммад-Шариф *оталиқ* аввалги сўзида собит турибдур. Охир ул-амр Шералихон қўшун жамълаб ўртанча ўғли Мулла хонни амири лашкар ва Юсуф *мингбоши*ни *сипоҳдор* ва сардори лашкар айлаб, Тошканд тарафиға равона қилибдур. Вақтики, Хўқанд қўшуни Кандир давонидин ўтиб, Ўбшун Қурама кўрғониға тушган вақтида эшитибдурки, Гадейбой қурама ва бухоролик Абдурахмон метин бир минг қўшун ила келиб, Бўка шаҳриға дохил бўлуб, Бўка атрофида Қурама ва бошқа тоифаларни ўзига йиғиб турадур. Бу хабарни эшитиб, Хўқанд қўшуни тўғри Бўка тарафиға равона бўлуб, Кировчи қасабасини олиб, ўшал куни Кировчида қўнуб, эртаси Кировчи илан Бўка орасиға солихаға келишмаган сабабдин уруш бўлуб, Хўқанд қўшуни шаҳарга кўп жазоир, милтиқдин борондек ўк ёғдурган ҳолда Бўка ичидаги қўшун тоқат қилолмай, охири Абдурахмон метин ва Гадейбой ўзиға тобе қўшунлари илан Бўканинг бир тараф кўрғонидин чиқиб, Бухоро тарафиға қараб қочибдур. Бу хабарни эшитиб Хўқанд қўшуни онинг орқасиға тушуб, қувлаб, то Сирдарё ёқасигача бориб, олардин қанчасини ўлдируб ва қанчасини асирга олиб, Абдурахмон метин ила Гадейбой ҳазор машаққатлар ила Сирдарёдин от солиб ўтиб халос бўлибдур. Ўшал куни Бўкани олиб, ичида бор нимарсаларни талон-торож қилибдурлар. Бўкада бир икки кун туриб, ондин Пскандға келиб, бир неча кун тўхтаб, ондин кўчиб Тўйтепаға келиб, Тўйтепани атроф элатиялари илан тасарруфлариға олиб, Тошкандға ва Тошканд ақобирлариға элчи юборибдурлар. Тошканд улуғларидин Бек-Муҳаммад *оқсоқол* ва домла Солиҳбек Охунд, Зухур эшикоғоси тожик ва буларға ўхшаш Тошканд улуғлари кечаси бир ерга жамъ бўлиб, маслаҳатлашиб, ўз ораларидин Бек-Муҳаммад *оқсоқол*ни қанча ваъдалар илан ёзилган мактуб илан кечаси махфийча юборибдурлар. Мазмуни мактуб, сизлар ташқаридин, бизлар ичкаридин бўлуб, хориждан келган қўшунни орамиздин кўтарамиз деган ваъдалар экан.

Бу хабарни эшитиб Хўқанд қўшуни бошлуғи Юсуф *мингбоши* кўп хурсанд бўлиб, Бек-Муҳаммад *оқсоқол*ни ҳазор киром айлаб, жўнатгандин кейин Тошканддин келган мактубни саркардаларга кўргузиб, ҳаммалари иттифоқ қилишиб, хотиржамълик илан Тошканд тарафиға азимат қилибдурлар. Бу хабарни эшитиб Муҳаммад-Шариф *оталиқ* Тошканд ва қозоқия қўшунлари илан чиқиб, Толлоғуч тепаға тушуб, чодирларини тикиб, хусусан, қозоқ ва санчиқли жамоасиға иътимод айлаб [ишониб], урушга тайёрланибдур. Лекин, Тошканддаги бир-бирига мухолафатчилик ва ноиттифоқчиликларни жосуслар хўқандликларга еткузуб турубдурлар. Ул кеча ҳар икки тараф қўшун эҳтиёт илан юруб, эртаси Хўқанд қўшуни Чирчиқ дарёсидан ўтиб, ҳамма мерганларни илгари солиб, уруш муқаддимасини бошлабдурлар. Хўқандликни тўпу милтиқларига қозоқлар тоб беролмай қочиб, баъзиси шаҳарга ва баъзиси саҳроларга мутафарриқа бўлиб кетибдур. Бул ҳолни кўруб Муҳаммад-Шариф *оталиқ* шаҳарга қайтиб кириб дарвозаларни беркитиб, қамалибдур.

Хўқанд қўшуни қочганлардан қолган чодир, саропарда ва ичидаги асбобларини талон-торож қилиб, Тошканд қалъасидин бир ўк етадургон жойға келиб қўнибдурлар. Бир оз фурсатдин кейин Муҳаммад-Шариф *оталиқ* бародари ва ўғлини бир неча арқони давлат илан элчи чиқариб айтирбдурким, ман қадимдан бўён Хўқанд хонларига хизматкор ва жонсипор бўлиб, кўп хизматларда бўлуб, оқибат манғития урушида асирға тушуб, Бухоро амири қўлиға гуноҳкор ва бадқирдор ва сазовори уқубат, балки, вожиб ул-қатл эдим. Бо вужуд амир гуноҳларимни авф айлаб, Тошканд ҳукуматини манга топшурган эдилар, сипоҳгарчилик таомилига намак хотир айлаб, сизларга шул қадар беодоблик мандин содир бўлди. Акнун ихтиёр сиз жанобларда маним ҳаққимға нима лозим, қилмак ихтиёри сизларда деб, узромуз сўзлар айтиб, ўзи бошқа жойға кўчуб чиқиб, ўрдани бўшатиб, қазаға рози, балоға сабр қилғондин бошқа илож тополмабдур.

Мундин кейин Хўқанд амири лашкари иззати тамом илан бемунозиъ ва бежанжол Тошканд шаҳриға дохил бўлуб, қоидаи ҳукмронликни барпо айлаб, ҳар қаю аъёни вилоятларга дилдорлик ва ёрлик бериб, уламо ва умаро ва жамии ақобири вилоятларға сарупо бериб, қозоқия ва Дашти Қипчоқ бийлариға ҳам атлас ва кимхоб жомалар бериб, уларнинг хузурида Муҳаммад-Шариф *оталиқ*ни бародар ва фарзандлари илан Хўқандға, Шералихон хузуриға юборибдур. Хўқанд қўшуни муддати бир ой Тошкандда туруб, атрофи Дашти Қипчоқлари ила тобеъ айлаб, ишларини саранжом қилиб, маслаҳат юзасидан Тошкандни Шералихоннинг катта ўғли Саримсоқбек номиға номзод айлаб, Муҳаммад-Каримкули марғинонликни Саримсоқбек тарафидин ҳоким қилибдурлар. Чунки Саримсоқбек Шералихон хизматида Хўқандда қолган экандур. Даврон *додҳоҳ* тожикни *ботурбоши*²⁴²⁵ ва *лашкарбоши* айлаб, сипоҳгарлик ва аскардорлик ишини онга топшуруб, Хўқанд аскари Хўқандға қараб жўнаб, Хўжанд шаҳриға яқин келганда амири Бухоро тарафидин Хўжандга

²⁴²⁵ Ботурбоши – баҳодурлар бошлиғи.

хоким тайинланган Хўжа Калон Жўйборий дўстлик ва садоқат юзасидин Хўжанд шаҳрини уруш-талашсиз Шералихон тасарруфиға топшурубдур. Аркони давлат Хўжандға дохил бўлуб, бир кун таваккуф айлаб, Нов ва Қўштегирмон тарафлариға қўшун юбориб, оларни ҳам фатх қилиб, ўзларидин одам тайинлаб, обрўйи тамом илан Хўқандға дохил бўлубдурлар. Бу шаҳарда хизмат қилғучиларнинг ҳар қаюлариға муносиби аҳвол ёрлиғ ва амал бериб, сарафроз айлаб, Муҳаммад- Шариф *оталиқ* илан бародари Абдуллани ўлдурубдурлар.

Тошканднинг Русия давлатиға тобеъ бўлганиға ушбу 1915 йил 15 июнида эллик йил тўлмоқ муносабати илан Хўқанд хонларининг дуру дароз бўлган ҳикояларини баён қилмоқдин муддао Хўқанд хонларининг ўзлари би-л-истиклол хонлик ва ҳукмронлик қилолмай, уларнинг ихтиёрлари кирғиз, қипчоқдек саҳрода тарбият топган ваҳший ва бадавий халқларнинг қўлуда бўлуб, улар баъзи вақт хонларни ўлдуруб, ёш боласини хон кўтариб ва баъзи вақт акасини ўлдуруб, укасини хон қилиб, хонлик гўёки уларға бир ўйунчоқдек бўлуб, ул ваҳший халқ хонлар отаси ва мамлакат оғаси бўлуб, раиянинг аҳволиға назар қилмай, арзлариға кулоқ солмай, ўзларининг кайфу сафолариға машғул бўлуб, халқни талон-торож айлаб, урди, ўлдурди, олиб кетди, талон-торож қилди, аҳволотидин халқ кўз очолмай, тинчлик илан зироат қилолмай, олис жойға тижоратға боролмай, юрт нообод, халқ камбағал бўлишиға ул нодон жоҳил ҳукуматдорлар сабаб бўлган эди. Бинобарин, ўшал вақтдаги ҳукуматдорларни ва қандай одамлар ҳукмронлик қилиб, уларнинг асрида қаю тариқада бетинч ва безобиталик бўлганлигини ҳурматлик қориларимизға арз қилиб ўтамиз. Бирор мамлакатга хон ё подшоҳ ва ҳукуматдор бўлуб турган зотларни ҳукмронлиғида иқтидори ва қуввати мамлакатни босмоқ ва тинчландурмоқ даражада бўлмаса, албатта у мамлакат хароб ва вайрон бўлуб, охири бошқа тоифалар қўлиға ўтмакға сабаб ва боис бўладур. Чунончи, бир неча вақт ўтгандин кейин Шералихоннинг катта ўғли Саримсоқбекни бир неча катта мансабдаги умаролар, чунончи Азимбой *қўшибеги*, Таниқул *додхоҳ* ва булардан бошқа бир неча қўлидин иш келадиган Хўқандлик саркардалардин ҳамроҳ қилиб Тошканд ҳукуматини Саримсоқбек номиға номзод қилиб, Тошкандға юборилган эди.

Улар Тошкандға равона бўлуб, Чирчиқ дарёсидин ўтуб, Қўйлуқ мавзеиға келиб тушганда, Тошканддин Муҳаммад-Карим, Даврон *додхоҳ* бошлуқ Тошканд уламо ва фузало ва умаролари истиқбол айлаб, эъзоз – икром илан Тошкандға олиб кирдилар. Бир неча кундин кейин Мусулмонқули қипчоқ Шералихондин юз ўгуруб, Хўқанддин қочиб чиқиб, ўзини қипчоқлар орасиға олиб, Оқтепа мавзеида қипчоқлар илан ижтимоъ ва маслаҳат қилишиб Шералихонга мухосамат [душманлик] айлаб, ёв бўлубдур. Бу хабарни Шералихонга етказганда, Шералихон аркони давлат илан маслаҳат қилишиб, икки кундин кейин қўшун жамълаб, Мусулмонқул қўшуни устиға юруш қилиб, Шаҳрихоннинг қибла тарафидаги кўруғға тушуб қўнубдурлар.

Шералихоннинг *амири лашкари* Юсуф *мингбоши* ўзи кирғиз жамоасидин бўлуб, қипчоқлар ила урушмоқға ниҳоятда хоҳиш айлаб [сўраб], лашкарлари илан муҳорабаға тайёр бўлуб турган ҳолда Марғинон ҳокими Шоди *додхоҳ* ўртада восита бўлуб, урушни манъ қилиб, тўхтатмак ҳаракатида бўлибдур. Охири маслаҳат шунга қарор топибдурким, Шоди *додхоҳ*ни *мингбоши* қилиб, Юсуф *мингбоши*ни *мингбоши*ликдин озод қилиниб, Марғилонга ҳоким қилинсун деб. Бу маслаҳат ҳамма кирғиз, қипчоқларга маъкул бўлуб, Шералихонга кириб маслаҳатларини арз қилганда, Шералихон ҳам уларнинг маслаҳатларини маъкул кўриб, Шоди *додхоҳ*ға *мингбоши*лик амалини бериб, Юсуф *мингбоши*ни Марғилонга ҳоким айлаб, Андижонни тавобиоти қипчоқия, кирғизиялари илан Мусулмонқулиға бериб, ҳамма қипчоқия ҳукуматини онга топшуруб, Муҳаммад-Назар соқовни Тошкандға, Саримсоқбек олдиға хизмат қилмоққа юборибдур.

Муҳаммад-Назарбек соқов бир неча вақт Тошкандда истиқомат айлаб, андин кейин қочиб, ўзини кирғиз, қипчоқлар орасиға олиб, Мусулмонқулининг иттифоқи илан Тўрақўрғонга кириб, Муҳаммад-Назар Қулоқ *ботурбоши*нинг ўрниға Тўрақўрғонға ҳоким бўлубдур.

Муҳаммад-Назар соқов Тўрақўрғонға киргандин кейин Мусулмонқули Андижон қўшуни илан Обод мавзеиға келиб қўнубдур. Ўшал вақтда Шаҳрихонда Шералихон тарафидин Танди *иноқ саркор* бўлуб турар экан, қипчоқ тоифасидин Муҳаммад-Назар Кўрўғли ўзиға тобеъ қипчоқларни йиғиб, Шаҳрихонға Танди *иноқ* устиға бориб, они Шаҳрихондин ихрож қилиб, Шаҳрихонни ҳам қипчоқлар ўзлариға тобеъ айлаб, булар ҳам Мусулмонқули қўшунига бориб қўшулуб, қипчоқ қўшуни ҳаммаси бирлашгандин кейин боиттифоқ ўшал жойдин хуруж қилиб, Балиқчиға келиб, ул жойда икки-уч кун туруб, икки дарё, яъни, Сирдарё илан Нориндарё миёнасидаги фуқаролардин «қил қуйруқ» қилиб қўшун жамълаб, Тўрақўрғон устиға бориб, бу жойда тўрт-беш кун тўхтабдур.

Бу фитна ва иғво хабарини Хўқандға Шералихонға еткузганларида Шералихон аркони давлат илан маслаҳатлашиб, Тошканддин Саримсоқбек Тошканд қўшуни илан келгунча таваккуф қилмоққа

маслаҳат беришибдурлар. Бу миёнада Шоди *мингбоши* таваккуф қилмай, бемаслаҳат қўшун жамълаб, Хурамсарой тарафиға азимат қилиб, дарёдин ўтуб, Хурамсаройға келиб тушубдур. Эртаси Чуст ҳокими Раҳматуллоҳ одам юбориб, Хўқанд қўшунини Чуст шахрига киритибдур. Бу хабарни эшитиб қипчоқ қўшуни ҳам Чуст устиға келиб, бир тош масофа жойға яқин жойға қўнуб, ул кеча ётиб, эртаси чоштгаҳ вақтида қипчоқлар Чуст устға келиб саф бойлаб урушга омода бўлуб турубдур. Бу тарафдин элчи чиқориб сўзлашганда маълум бўлибдурким, қипчоқларни муддаоси Шоди *мингбошини* ушлаб, қипчоқлар қўлига бермоқ. Хўқанд қўшуни саркардалари улуғимизни ушлаб бермоқ бизларга ору номус, уруш маъракасани миёнасида ул тарафдин Мусулмонқули, бул тарафдин Шоди *мингбошига* танҳо ҳар иккиси ўртаға келиб муддаоларини сўзлашсун деб шунга қарор берибдурлар. Мусулмонқули йигирма-ўттиз нафар найзадорларни орқа тарафиға бир-бирига биркитиб қўйуб, ўзи яқка танҳо қўшуннинг ўртасиға келиб, одам юбориб айтибдурким, Юсуф *мингбоши* келсун, икки уч калима маслаҳатомуз сўзимиз бор, сўзлашиб, аҳду паймон қилишиб, мусолиҳа маслаҳатни ўртаға солайлук, бу миёнада беҳуда кўп қон тўкулмасун деб. Шоди *мингбоши* бу сўзни эшитиб, отланиб, икки уч юз қадам юрган вақтда, бир тарафдин уч-тўрт отлик найзадор найзасини Шоди *мингбошиға* тўғирлаб, ётқузуб келаётганини кўруб, дарҳол қўшун тарафиға қочиб келубдур. Бу аҳволни кўруб ҳамма таажжубга қолиб, бу ишга маслаҳат берувчиларга нафрин қилибдур. Ондин ҳамма уруш қилмоқға иттифоқлашиб, туғ-яроқларини кўтариб, аср ва шом ўртасида икки қўшун бир-бирига муқобил бўлуб турган ҳолда, Юнус туғлуқ ном бир саркарда ўз қўшуни, туғ байроғи илан қипчоқия тарафиға қочиб кирибдур. Мундин кейин Мўминхўжа тожик ҳам туғ байроғи илан қипчоқия қўшунига кириб, ва баъзи тил берган мунофиқлар ҳам бир-бир қипчоқ қўшунига кирибдур. Шоди *мингбоши* кўрубдурким, атвори ва авзойи бузук ва мутағаййир бўлубдур, дарҳол ўзини *махрам*²⁴²⁶ ва *гала баҳодир*²⁴²⁷ тўпиға олибдур. Улар саркардаларини ўз ораларига олиб, урушмасдин, мағлуб бўлмасдин сардоримизни ушлаб бермак одамиятликдин хориждур деб урушмоқға омода бўлуб турган ҳолда Муҳаммад-Назарбек туғ байроқлари илан келиб, маҳрам ва гала баҳодирларни ўз туғи тагига олиб, оларни уруш, ўқ, милтиқдин сақлаб, юмшоқ ва мулойимлик илан ўз қўшуни тарафиға олиб борибдур. [Солиххўжа] Ота ўғли қўшунлариға бир тиғ, дилдорлик бериб, ўз қўшлариға юбориб, кечаси Шоди *мингбоши* ва Берди Али *юзбоши*²⁴²⁸ ва Миролим *юзбоши* ва Худоёр *ёвар*²⁴²⁹ ва Мулло Иззатуллоҳ Кўхистоний ва булардин бошқа бир неча номдор умаро ва улуғларни ушлаб, улдурубдурлар. Уч кундин кейин қолган қўшунлар Хўқандға қайтиб келиб, воқеотни Шералихонга баён қилибдур. Шералихон давлатхоҳ саркардаларининг вафотиға ғоятда маюс ва ғамгин бўлуб, кўзидин ёш жорий қилиб, Худованди карим даргоҳиға зору нола қилиб ва муножот айлаб айтардурким: «Эй Холиқи баландпарвоз ва эй дастгири чорасоз, бул қандай бадмаош ва бебош халқлардурким, аввало мани тахтга ўтқузарда бир-бирлари илан урушмас, талашмасликка аҳду паймон айлаб, қасамёд қилиб, андак фурсат ўтмасдин қасам ва аҳдларини бузуб Худоға осий бўладурлар» деб қўшун бошлиқлариға рухсат бериб, хон ўз ҳарамиға кириб, уч кунгача ҳарамдин чиқмай, кўруниш ҳам қилмабдур.

Икки кундин кейин Шералихоннинг катта ўғли Саримсоқхон Тошканд қўшуни илан келиб, отаси Шералихонни кўруб, ўтган аҳволотни баён қилишиб, қипчоқ, қирғизларнинг бевафолиги ва аҳдшиканлигиға таассуфлар қилишибдурлар. Бу ходисадин олти кун ўтгандин кейин қипчоқия қўшуни Хўқанднинг шарқ тарафи, Тоғлик ва Марғинон дарвозаларидин қора кўрсатибдур. Ўшал йили Соҳибзода ҳазрати Калон ҳаждин келган эканлар. Шералихон ўз ўғли Саримсоқхонни *амирлашкар* қилиб, ҳазрати Соҳибзодани қипчоқлар ила мусолиҳа ва насихат учун бирга қушуб, Хўқанднинг Баҳрин ва Тоғлик дарвозалари кўчасидин қипчоқ қўшуни муқобилиға буюрубдур. Даврон *додхоҳ* Тошканд қўшуни илан бир тарафдин чиқиб, қипчоқ қўшуниға муқобил бўлубдур.

Бул миёнада ҳазрат Соҳибзода сулҳ хусусида қипчоқияларға ҳарчанд насихат қилсалар ҳам, қипчоқиялар қулоқ солмай, уруш бошланибдур. Андак уруш бўлгандин кейин бебош оломон, отлик ва пиёдалар шаҳарга қараб қочганини кўруб, бошқа сипоҳлар ҳам қоча бошлабдур. Ҳарчанд ота, ўғли ва маҳрам тўплари жидду жаҳд қилсалар ҳам, илож бўлмай, мағлуб бўлуб, қипчоқиялар Хўқанднинг дарвозасиға келиб, Хўқанд қўшунини шаҳарнинг кўрғон ва ўригача қувалаб келиб, Хўқанд ақобирларидин Солиххўжа *судур* Ота ўғли ва маҳрам дастасидин Содикбойни ўлдуруб, булардин бошқа қанча одамлар қатл бўлиниб ва аксар кўлға тушганларни талон-торож қилиб, ҳатто лозимлариғача олиб, авротлариға хас-хашакни парда қилиб, шаҳарга кирганлар бўлибдур. Буларнинг

²⁴²⁶ Маҳрам – хоннинг шахсий соқчиси ва мулозими.

²⁴²⁷ Кулли баҳодир – барча баҳодурларнинг бошлиғи.

²⁴²⁸ Юзбоши – юз нафар сарбозга бошлиқ ҳарбий.

²⁴²⁹ Ёвар – юз нафар соқчининг раҳбари.

кетидан қипчоқ қўшуни Хўқандға кириб олиб, бир неча саркардаларни чунончи, Азимбой *қўшбеги*, Таниқули *шиғовул*²⁴³⁰, Муҳаммадкарим *ясовул*, Эрназар *додхоҳ* ва булардин бошқа кўп умароларни қатл қилибдур. Саримсоқхон Бухороға қочиб бориб, Даврон *додхоҳ* Хўжанд борибдур. Бир неча вақтдин кейин Даврон *додхоҳ* гуноҳини ўтуб, Хўқандға келтуруб, мулло Холбек қипчоқни Тошкандға ҳоким айлаб, Даврон *додхоҳ*ни Тошканд қўшуни илан анга қўшуб Тошкандға юборибдурлар.

Мулло Холбек қипчоқни Тошкандға ҳоким қилиб юборгандин кейин бир оз муддат ўтмай, Тошканд аҳолилари қипчоқ хукмронлиги ва зулмидан малул ва озурдахотур бўлуб, қипчоқ хукмдорларига ёмон кўз ила қараганликларининг хабари Бухоро амирига етиб, маслаҳат илан Саримсоқхонни ўз намакхўр ва тавобиотлари илан Бухоро ва Тошканд сарҳадиға, Чордара мавзеиға юборилиб, ул мавзени хонзодаға берибдур. Кундан-кун сартия ва қозоқия ва бошқа тоифалар қипчоқия ҳукуматдорининг фуқароларға қилган жабру зулм ва қаттиғ муомалаларини кўруб, ва Мусулмонқули Фарғона улуғлари ва номдорларидин кўп одамни ноҳақ ўлдуруб, халойиқнинг дилидин тушганлигини фаҳмлаб охир ул-амр Тошканднинг аёни вилоятларини иттифоқ қилишиб, Даврон *додхоҳ*ни бир неча иноятлик одамлар илан юбориб, Саримсоқхонни Чордарадан Тошкандға олдириб, ҳамма би-л-иттифоқ хон кўтариб, Тошкандға ҳоким бўлуб, турган Мулло Холбек илан тобеларини маҳбус айлаб ва ҳам Мусулмонқули тарафидин Тошкандға элчи бўлуб келган Нор-Муҳаммад *додхоҳ* қипчоқни тўхтатиб қўйибдурлар. Бу хабари ваҳшатосорни Хўқандда Мусулмонқули эшитиб, Тошканд вилоятининг Бухороға тобеъ бўлганиға ҳайратда қолиб, қипчоқлар орасиға шўришу ғулғула тушуб, бу ишнинг тадорик[тадбир] ва маслаҳатини қилмак бўлганда Олой ва Учқўрғон қирғизларининг чиқорғон иғво ва фитналари ва Ўш шаҳрини муҳосара қилган хабари Шаҳрихон қипчоқлари воситаси илан Мусулмонқулиға еткузулганда, Мусулмонқули бу ваҳшатлик хабарни эшитиб, Тошканд маслаҳатини мавқуф қўйуб [қолдириб], қирғизиянинг дафъи маслаҳатиға тушуб, ноилож қўшун жамълаб қирғизиялар устиға бормоқ бўлганда, Кўрўғли ном қипчоқ Шаҳрихон ҳокими ўз қўшунларини жамълаб, Хўқанд қўшунидин икки кун илгари бориб, қирғизия қўшуни бирлан урушуб қочирибдур.

Мусулмонқули Муҳаммад-Назар Кўрўғли қўшуниға етушмак қасдида ул тарафға қараб жўнаб турганда Мусулмонқулиға хабар берибдурларким, минг уруғидин Раҳматуллоҳ *додхоҳ*, Сотиболди *додхоҳ*, хўқандлик Қосимбек *оталиқ* ўғли, Олой қирғизлари илан тил бериб, иттифоқлашиб, Олимхоннинг ўғли Муродхонни Хўқанд дор ус-салтанасида хон кўтариб, тахтга ўлтурғузуб, Шералихонни ўлдуруб, барча Хўқанд маҳалалариға хабар бериб, тужжорлар ҳадя ва тортуғлар ила хонни келиб кўруб, муборакбод қилсунлар дебдур. Вилоят одамлари бир-бирлари илан маслаҳатлашиб, аркони давлат ва аёни вилоятлар ва тамоми қўшунларимиз қирғизия устида жангу жадалға машғул бўлуб турганда биз фуқаро, косиб, бечоралар бадномликни ўз гарданзимизға олиб, аёни вилоятларимизга ўзимизни шарманда қилмайлуқ деб, бизларни ихтиёримиз қўшунга кетган улуғларимизда деб таваккуф қилибдурлар. Бу хабар Мусулмонқулиға етгандин кейин дарҳол тадбир ва тазвир кўчасиға тушуб, жарчиларға амр қилиб, ҳамма жойға «замон Шоҳмуродхон замони» деб чақиртирибдур. Бу хабарни эшитган барча қўшун аҳолилари бу ҳодиса Мусулмонқулининг маслаҳати илан бўлгандур деб ҳаммалари Мусулмонқулини кетидан юра бошлабдур. Мусулмонқули қўшунни Андижоннинг паст тарафидаги Миробод мавзеиға²⁴³¹ олиб бориб, ул жойға қўндуруб, ул жойда баъзи муфаттинларни Муҳаммад-Ниёз *ҳудайчи* ва анинг бародари Собир *мирохур*²⁴³² илан бир неча бегуноҳларни қатл қилдирибдур. Ва ул жойдин кўчуб, Балиқчи мавзеиға ва андин Қуйруқтепаға келиб, бир кеча ётиб, андин жўнаб Ҳазрати шоҳ[Жарир]га келиб, андин жўнаб, Юлғунтепаға²⁴³³ кўнуб, ўшал жойда ҳамма акобир ва ашрофи қўшун боиттифоқ Худоёрхонни хонлик маснадиға кўтарибдурлар. Андин кейин Хўқанд шаҳри аҳоиларининг аҳволотларини билмак учун шаҳар мутасаддилариға одам киргузиб, Муродхоннинг хонлигиға юртнинг ризо норизоликларини билмак бўлганларида ҳаммалари айтибдурларким: «Бизлар Муродхонни шаҳарга дохил бўганидан мутлақо хабаримиз йўқ. Муродхон келиб, Ўрдаға кўнуб, хонлик қилгандин буён бизлар шаҳар аҳли ва ҳеч бир маҳалла қадим хонлар расму таомилидек тортуғ пешкаш олиб борганимиз ва аҳду паймон қилганимиз йўқ. Ҳаммамиз сизларнинг йўлингизда мунтазир бўлуб турамыз. Бул хусусда бизлардин хотирларингизни жамълаб тўғри шаҳарға келингизлар, бизлар сизларга монё бўлмай, балки хурсандлик ила қабул қиламыз». Иттифоқ ва хурсандлик ваъдаларини берганларини эшитиб ва билиб

²⁴³⁰ Шиғовул – элчилар ва чопарларни хон ҳузурига олиб кирадиган амалдор.

²⁴³¹ Сулдуз қишлоқ жамоасидаги қишлоқ, Андижон туманига қарашли.

²⁴³² Мирохур – Сарой ва хон отхонасининг бошлиғи.

²⁴³³ Қўқондан 10-12 км. масофада жойлашган Юлғунзор қишлоғи.

Мусулмонқулининг одамлари Хўқанд аҳлидин хотиржам бўлуб, бу хурсандлик хабарини Мусулмонқулига еткузилиб, ҳам бу хусусда Хўқанднинг бир неча оқсоқол ва иноятлик одамларни юборибдурлар. Бу хабарларни эшитгандин кейин Мусулмонқулининг тамоми кўшунлари Хўқанднинг Урганч дарвозасидин Кўктўнлик ота сойидин шаҳарга кириб тўғри ўрдага борибдурлар. Қирғизлар уларга муқовамат қилолмай, баъзилари қочиб қутулиб ва баъзилари дастгир бўлибдурлар. Қирғизлардин қўлга тушганларнинг ҳаммасини ўлдуруб уларга биргалашган сартия уруғларидин, чунончи Раҳматуллоҳ *додхоҳ* ва Сотиболди *додхоҳ* Қосим *оталиқ* ўғли ва Охун *қоровулбеги*²⁴³⁴ Иброҳим *додхоҳ* ўғли, Муҳаммад-Карим *халифа*²⁴³⁵ ва Лўли *халифа*дек саркардаларни қатл қилиб, бу ишларни саранжом қилгандин кейин Хўқанднинг аъён ва ашроф ва уламо ва машойихларини дор ул-аморага таклиф айлаб, Шералихон ўғли Худоёрхонни оқ намадга солиб кўтариб, қайтадин ҳамма боиттифоқ *тарихи* ҳижрийнинг 1261чисида/1845 йили хон кўтарибдурлар. Хон кўтарилган санага ҳар хил шоирлар шеър – *тарих* айтибдурлар. Ўшал жумладан биргина *тарихни* қориларимизга манзур қиламиз:

Эй молики тахту тождори,
Бар ту шуда лутфи Кирдукори.
Дар маркаби шоҳият зада зин,
Бо фатху зафар шуда савори.
Он рўз ки ту ба тахти заррин,
Биншастии зи баҳри мулкдори.
Бар номи ту шуданд бар афлок.
Бар замзама кўси номдори.
Ин пири қадимии дуо гўй,
Аз рўйи ақида посдори.
Тарихи жулуси ту баҳри назм,
Кардам ман адо ба лутфи Бори.
Ин аст нузум бар таворих,
Бар соли жулуси шаҳриёри.
Тарихи жулуси шоҳист ин,
«Ки соҳиби тожи шаҳриёри»
[Эй тождорлик тахтининг эгаси,
Сенга худонинг илтифоти юз бермиш.
Шоҳлик отиға эгар уриб,
Фатху зафар устиға миндинг.
Мамлакатни бошқариш мақсадида,
Заррини тахтга ўтирган кунинг,
Сенинг номингга осмонларда,
Улуғлик ноғорасини чалдилар.
Бу кекса дуогўё қария
Чуқур эътиқоди юзасидан,
Сени тахтга ўтириш йилингни,
Лутфинг ёр бўлиб, назмда адо қилдим.
Шаҳриёрнинг тахтга ўтирган йилингни
Назмий *тарихи* қуйидаги (байт) дир.
«Ки соҳиби тожи шаҳриёри»].

Байти соний куллан [батамом] тарих тушубдур (1261/1845).

Ёш Худоёрхонни хон кўтаргандин кейин тамоми Фарғона вилоятининг ихтиёри ва ҳукмронлиги қипчоқ Мусулмонқулининг ихтиёрида бўлуб, Бухоро амири тарафидин Тошканд вилоятига ҳукмронлик қилиб турган Саримсоқхонни қўлга тушурмак учун ҳийла ва фириб илан Ҳазрати Миён Халил Соҳибни ўрдага чақириб, неча хил найранг ва талбис илан ул зоти шарифни ишонтуруб, Тошкандга Саримсоқхонга элчи қилиб юборибдур. Ул зот Мусулмонқулининг тадбир ва тазвир ва қасамлариға ишониб, Саримсоқхонни Хўқанд шаҳриға Худоёрхон ҳузуриға келтуруб, бир-бирлари илан аҳду паймон қилдурмоқ учун Тошкандга азимат қилибдурлар. Бир неча кун йўл юриб Миён Халилни истиқбол айлаб, кўп эъзоз-икром илан яхши иморати олийга тушуруб, зиёрати олий қилибдур. Баъда зиёфат ҳазрати Миён Халил Мусулмонқулининг мактубини топширибдурлар.

²⁴³⁴ Қоровубеги – қоровуллар ва соқчилар бошлиғи.

²⁴³⁵ Халифа – ўринбосар ва муовин. Халифа хонликда тариқат пирларининг ўринбосари эди.

Мазмуни шул экан, Мусулмонқули ва Худоёрхон тамоми аркони давлатлари илан илтимос қиладурки: «Дор ул-амора Хўқандға ташрифи қудум қилсалар, оталарини ўлдурганлардин интиқом олиб, нури чашмлари Худоёрхонни оталарининг ўрнига хонлик маснадиға ўткузуб, бошларини подшоҳлик тожи ила зийнат ва оройиш бердук. Сиздан лозим эмаским, мамлакатингизни душманга тобеъ айлаб, анга итоат этмакни ўзунгизга лозим қиласиз ва агар дор ул-амораға келмак тўғрисида дидингизга бирор хавфу харос йўл топган бўлса ҳаммаларимиз қасами муғлиза ила аҳд қилиб, ўз тарафимиздин ҳазрати Соҳиб Миён Халил жанобларини юбордук. Ҳар сўз бўлса, ул жанобдин эшитиб, бовар қилурсиз». Ва ҳазрати Миён Халил ҳам Мусулмонқул оғзидан эшитганларини баён қилибдур. Бу сўзларни эшитгандин кейин Саримсоқхон ҳамнишин ва аҳли донишларининг маслаҳати илан бул тариқа жавоб берибдурким: «Эй зубдайи сулаҳойи замон ва умдайи узамоёи даврон, ул тоифаким, сизни элчи қилиб юборибдур, ҳаммалари сўзида ва ваъдасида турмаган ёлғончи, каззоб, на Худонинг амр ва наҳйини бажо келтирадур ва на сиздек зоти шарифнинг хотири азизларини риоя қиладур, худобеҳабар зотлардур. Уларнинг сўзиға ва айтган қасамиға ҳеч вақт бовар қилинмаса бўладур. Лекин сиз ҳазрат Имом Раббоний авлодлари жанобнинг қудуми шарифлариға бошимни ҳадя айлаб, сиз жаноб келгандин кейин бормасға имкон йўқ» деб уч-тўрт кун таваккуф айлаб, Саримсоқхон ҳазрати Миён Халил илан Хўқанд тарафиға равона бўлибдурлар. Қачонки, бу жаноблар Хўқанд дор ул-аморосиға дохил бўлганларида Мусулмонқул қилган ваъдаларини би-л-кулли маҳву фаромуш айлаб, ҳазрати Миён Халилға рухсат бериб, Саримсоқхонни Балиқчиға юбориб ўлдурубдур. Ўшал куни авлоди соҳибзодалар ва силсилаи нақшбандиядаги аҳли дилларнинг Мусулмонқули ва қипчоқ аҳолиларидин дил озурда бўлганларини аҳли тажрибалар бир-бирлари илан гуфтугу қилишиб, бу қипчоқия тоифаси яқинда бало ва офатға гирифтор бўлуб, феъли бадларидин ҳаммалари ҳалок бўлсалар керак», дебдур. Саримсоқхоннинг *тарихи* вафотини назм тариқасида баён қилинибдур:

Паймоншиктагани дев тимсол,
Карданд расули Осаф амсол.
Бо руқъаю бо қасам мусаллах,
Бар хизмати шоҳзода ирсол.
Бифрефта ҳамчу аҳди иблис.
Оварда миёнжи хумафъол.
Аҳди худ дар хурмати расоил,
Бишката шикаста аҳди даллол.
«Афву би аҳдикум»и Худо гуфтан,
Нокарда қабул қавли арзол.
Хун рехта аҳди худ шикастанд.
Амри ҳақ ва шаръ карда помол.
Тарихи вафоти шоҳ дода,
Жустам зи хирад мегуфт аз сол.
Бар гў ту Ниёзи тарихи он,
Бе раҳм вубол гашт дар ҳол.
[Девга ўхшаган аҳдни бузувчилар,
Осафга ўхшаганларни элчи қилдилар.
Ҳар хил қасамлар ёзилган мактубни,
Шаҳзодаға юбордилар.
Иблис аҳди каби фириб билан,
Хушфеъл миёнчи (воситачи) хатни келтирди.
Ўз аҳдини ва элчилик ҳурматини,
Далоллик аҳдини синдирди.
Худо: «Аҳдингизга вафо қилинг»,- деган эди.
Разил қавм буни қабул қилмади.
Қон тўкиб аҳдини буздилар,
Ҳақ ва шарият ҳукмини оёқ ости қилдилар.
Шаҳзоданинг вафоти тарихини,
Ақлдан қидирган эдим, йилини айтди:
Эй Ниёзий, унинг йилини айт,
У: «бераҳм вубол гашт дарҳол»дир].

Хонзодаи шаҳиднинг тарихи мисрайи охиридин беидхол ва беихрож ҳосил бўладур (1263/1846-47).

Вақтики, Саримсоқхонни Тошканддин олдуруб ўлдиргандин кейин Тошканд ҳукуматини чушлик Азизбаччага ва Кировчини қипчоқ Нор-Муҳаммад *додхоҳ*га топширубдурлар. Ўшал вақтда Туркистон шаҳрига Саримсоқхон тарафидин Қаноатшоҳ ҳоким экан. Қаноатшоҳнинг бародари Даврон *додхоҳ* Туркистонга бародарининг олдиға бориб, Саримсоқхонни ўлдуруб, Тошкандға Азизбачча ҳукмрон бўлгонинг хабарини берибдур. Бул тариқа мудҳиш [дахшатли] хабардин Қаноатшоҳ ҳайрат ва ғайрат айлаб, адоват камарини боғлаб, Туркистон шаҳрининг қалъа ва кўрғонлари истехкомиға саъй ва кўшиш [ҳаракат] қила бошлабдур. Даврон *додхоҳ* бародари Қаноатшоҳнинг муҳолафат [қаршилиқ] ва муҳосаматини [ёвлигини] кўруб, Туркистонда турмоқни маслаҳат кўрмай, Бухоро тарафиға азимат айлабдур.

Азизбачча Тошканд шаҳриға дохил бўлгандин кейин Туркистонға Қаноатшоҳға элчи юбориб, итоат қилмоғиға тарғиб қилибдур. Қаноатшоҳ элчига муҳолиф ва қаттиғ жавоблар бериб қайтарибдур. Азизбачча элчидан мазкур жавобни эшитгандин кейин дарғазаб бўлуб, дафъатан Туркистонға, Қаноатшоҳ устиға қўшун тортиб бориб, кўп вақт Туркистонни қамаб, ҳар куни уруш талаш бўлса ҳам Туркистонни ололмабдур.

Охир ул-амр Худоёрхоннинг аввалги ҳукмронлигида *мингбоши* бўлган Муҳаммад-Ниёз *додхоҳ* Туркистонға Қаноатшоҳға элчи бўлуб бориб, икки орага мусолиҳа айлаб, Қаноатшоҳ Туркистонни бўшатиб, ўзиға тобеъ одамлари ва анжом-асбоб ва аслаҳалари илан Туркистондин чиқиб, Бухоро тарафиға жўнамоқ бўлуб, Сирдарёга етиб, дарёдин ўтмоқ бўлганда Азизбачча аҳдини бузуб, Қаноатшоҳ устиға бориб, дастгир айлаб, асбоб аслаҳаларини олиб қолмоқ бўлганда Муҳаммад-Ниёз *додхоҳ* Тошканд понсадлари илан етишуб бориб, Қаноатшоҳни сиҳат саломат дарёдин ўткузуб юборибдурлар. Азиз *парвоначи*²⁴³⁶ Туркистонни олгандин кейин бир ой онда туруб, Тошкандға қайтиб келгандин кейин эшитибдурким, Мусулмонқулини маъзул ва Хўқанддин ихрож айлаб, бадарға қилиб, анинг ўрниға мулло Холбек қипчоқни *мингбоши* қилибдурлар деб. Бу хабарни эшитиб, Азиз *парвоначи* Хўқандға муҳолафатчилик қилибдур. Муни эшитиб Мусулмонқулини келтуруб яна *мингбоши* қилибдурлар. Мусулмонқули ўз жойиға ўлтуруб, барқарор ва мустаҳкам бўлгандин кейин, авбош ва бебошлардин бир нечалариға ўз ёнидан жой бериб, қипчоқия уруғларидин Муҳаммад-Диёр *додхоҳ* ва мулло Холбек *дастурхончи*²⁴³⁷ ва Раҳмонқулибий ва бошқа бир неча улуғларни қатл қилибдур. Бу қатл андишасидин қипчоқия улуғлари орасиға адоват тушуб, мулло Каримқули *дастурхончи* ва Муҳаммад-Назар Кўрўғли ва анинг ўғли Холл-Муҳаммад *додхоҳ*, Ҳотамқули *рисолачи*²⁴³⁸ ҳаммалари боиттифоқ Кировчи ҳокими Нор-Муҳаммад *додхоҳ*га мактуб юбориб, Мусулмонқулига муҳолифатчилик қилмоқ учун тарғиб айлаб, ишорат қилибдурларким: «Мусулмонқулининг феъли бузулди, ҳаммамизни ҳалок қилмоқ қасдиға тушди. Эмди сиз ва бизлардин лозим шулки, Тошканд улуғлари илан иттифоқлашиб, қўшунни Тошканд устиға олиб бориб, Азизбаччани ўртадан кўтарсак». Бу хабарни эшитган ҳамоно Нор-Муҳаммад *додхоҳ* Қурама кўшинини жамълаб, Тошканд устиға борганда, Азизбаччадан безор ва ноилож бўлуб турган Тошканд саркардалари иттифоқлашиб, Нор-Муҳаммад *додхоҳ*ни Тошкандға олиб кириб, Азизумаролари қаторида жой бериб, бир неча кундин кейин Худоёрхоннинг тахтга ўлтурганининг тўртинчи йилида Азизбаччани ҳам ўлдирибдурлар.

Туркистон вилоятидаги мусулмония ҳокимларининг авомлиги ва ваҳшонияти ва фуқароларға қилган ноҳақ зулм ва бераҳмлиги хусусида ўтган ҳикояларда баён бўлган эди. Мусулмон хонлари вақтида Тошкандға бир неча вақт ҳоким бўлуб турган Азизбаччанинг зулм ва ваҳшонияти хусусида онинг ҳокимлик вақтини кўрган 84 ёшга кирган Тошкандда истиқомат қиладургон бир қари одам шул тариқа ҳикоя қилдиким, Азизбаччанинг зулми шул даражада эканким, Тошканд фуқароларидин қайси бири ўрдаға, Азизбачча ҳузурига чақирса, ул чақирилган одам ҳарчанд бегуноҳ бўлса ҳам, албатта мани ўлдурадур деб, хотун, бола-чақаси илан видолашиб кетар экан. Мулло Исо-Муҳаммад ном бир одамни ўрдаға чақирган экан, олиб бориб ҳақиқат қилган вақтда ул Исо-Муҳаммад бўлмай, бошқа Исо-Муҳаммад эканлиги маълум бўлуб, они қайтариб юборган экан. Бо вужуд хавф ва воҳима илан юраги чиқиб кетган сабабдин уйига келиб, икки-уч кундин кейин ўлибдур.

Яна бир одамни ғазаб айлаб, зиндонга солиб қўйуб, Тошканднинг ҳар қаю маҳаллалариға чаён солуғ солиб, ул золимни хавфидин ҳар қайси маҳалла одамлари девор томларини бузуб, қанча чаён

²⁴³⁶ Парвоначи – капалак деган. Унинг эгаси ўзининг хонга яқинлигидаг фойдаланиб, хат ва аризаларини саройга олиб кириб, у ердан кетма-кет парвонадек жавобини олиб чиқарди.

²⁴³⁷ Дастурхончи – хон дастурхонига, умуман хон ошхонасига жавобгар амалдор.

²⁴³⁸ Рисолачи – девондаги вазифалардан бўлиб, элчилар ва уларнинг хат-хабарларига жавоб берарди.

топиб берибдурлар. Ул чаёнларни ўшал ғазаб илан зиндонга солинган одамнинг устига солиб, шул тарика азоб уқубатлар ила ўлдирибдур. Баъзи бир ҳокимлар гуноҳкорларнинг остига хода уриб, тириклай хода устига ўтқузуб қўйуб, ул бечора бир неча кун ходанинг устида азоб тортиб, жон берар экан. Ўшал вақт ҳокимларининг ваҳшониятлари шул даражада, балким, мундин ёмонроқ азобларни кўрсатур экан. Хулосайи калом «ал-мулку ла тадвам маъа-з-зулми» [зулм билан бошқарилган мулк ўлимга маҳкум] фаҳвосича, мусулмон хон ва ҳокимлари раиялариға низом ва шаръдин ташқари зулм ва таадди айлаб, охири, вилоятлари ва ҳукуматларини барбод бердилар.

Муддаога келайлук, Худоёрхон тахтға ўлтурганлигининг бешинчи йилида (Сир) ва Норин дарёни миёнасида Балиқчиға тобеъ Чавча мавзейининг қибла тарафида қирғиз ила қипчоқлар орасида уруш бўлуб, қирғизлар ўз жойлариға қайтиб қочибдур. Олтинчи йилида мулло Каримқули *дастурхончи* қипчоқларга мухолофатчилик қилиб, Хўқанддин қочиб Тошкандға, Нор-Муҳаммад *қўшбеги* олдиға келибдур. Жулуснинг еттинчи йилида Бухороға тобеъ Ўратепа ҳокими Исҳоқбек Ўратепа ҳокимлигини ташлаб, Худоёрхон ҳузуриға қочиб келибдур. Худоёрхон тахтға ўлтурганининг тўққизинчи йили қадимги хонларнинг эски ўрдаси ўрниға Мусулмонқули Худоёрхон номиға мадрасайи Олийни бино қилиб, ўнинчи йили муддати икки йилда итмомиға еткурубдур. Мадраса *таърихи*ни назм тариқасида баён қилинибдур:

Некбахтеро сазад шоҳе, ки бошад динпаноҳ,
 Аз қудуми шоҳ бошад ҳоли фосиқ дар табоҳ.
 Ҳажри хайрот гардад ройи ў дар ҳар қадам,
 3-ин сабаб гулгашт шуд аз хоки пояш шоҳ роҳ.
 Аз мадорис дар замони миннатосори худ,
 Дар сари бозор дар ҳар кўча зиннат дода шоҳ.
 Аз надими шоҳ номаш бувад Мусулмонқули,
 Мадраса кард жойи хонони қадим ў илмгоҳ.
 Тарихи ўро ба ман ҳамчун бигуфт пири хирад,
 Инчунин тарих шуд «Манзари музакко боб» хоҳ.
 [Дин паноҳи бўлган шоҳгина бахтиёрликка лойиқдир,
 Шоҳ қадамидин фосиқлар ҳоли вайрон бўлади.
 Ҳар бир қадамда унинг фикри яхшилик учун йўл бўлади,
 Шунинг учун унинг хокипойидин катта йўллар гулзорга айланади.
 Мадрасалар туфайли замонда бахт асарлари мавжуд,
 Ҳар бозору ҳар кўчага шоҳ зийнатлар берди.
 Шоҳ ходимларидан бўлган Мусулмоқули номли киши,
 Қадимий хонлар ўрдаси бўлган ерни илмгоҳ мадраса қилди.
 Ақл пири унинг *таърихи*ни менга айтди;
 «Манзари музакко» бунга боб *тарих* бўлди].
 «Манзари музакко боб» моддаи *тарих*дур ҳижрий 1272/1855-56 йил.

Худоёрхон тахтға ўлтургонлигининг ўн биринчи йилида дарёдин Чинобод ариғини чиқариб, паст тарафиға Баҳробод кишлоқ бино қилинибдур. Хоннинг тахтға ўлтурганининг ўн иккинчи йилида жамоайи қипчоқия билан сартия, тожиқия ва ўзбекия ораларида фитна ва фасод, хунрезлик бошланибдур. Воқеа шундан иборат бўлубдурким, вақтики, Худоёрхоннинг ёшлик вақтида хонлик маснадиға ўтқузуб, Мусулмонқули мутлақ *мингбоши* ва хон отаси бўлуб, ўзиға қарашли сахроии беақл ва бетамкинлардин ҳар бирини *оталиқ*, *мингбоши*, *парвоначи*, *дастурхончи* ва *ҳудайчи*, шунга ўхшаш катта - кичик амалларга мансуб қилиб, ҳар қаюлари бебош ва беандишалик илан гўёки, Фарғона ҳукуматининг ихтиёри бизларда бўлди деб, раиялариға беибо ва беистиҳола зулм қила бошладилар. Уларға насиҳат қилгувчи уламо ва машойихлардин, чунончи, *шайх ул-ислом* Намангоний, масжиди Жомеънинг мударриси Халифа Сафо ва домла Холл-Муҳаммад *раис* ва домла Хўжамқули *аълам* ва яна булардин бошқа зоти шарифлардин бир нечаларини бегуноҳ ва бежиноят қатл қилиб, ҳукуматни ўз ихтиёрларича қила бошлабдурлар. Буларнинг атвор ва аҳволини мушоҳада қилган раия ва фуқародан катта кичик дилозурда бўлуб, уларнинг зулм ва тааддидин халос бўлмак учун ҳар доим Худованди каримға дуо ва илтижо қилар эдилар. Буларнинг аҳволини кўруб, бир неча саркардалар Тошканд саркардалариға ва аъёни вилоятлариға хат юбориб, Мусулмонқулиға мухолофатчилик қилмоқға тарғиб қилибдур. Уларнинг зори ва тазаррулариға Тошканд аъёнлари тараҳхум айлаб, Тошканд ҳокими Нор-Муҳаммад *қўшбеги* қипчоқни ўз ихтиёриға қўймай Мусулмонқулиға мухолофат ва мухосаматларини ошкора қилибдурлар. Хўқанддаги қипчоқ

аҳолилари Тошканд аҳолисининг муҳолафат қилган хабарини эшитиб, дарғазаб бўлушуб, қўшун жамълаб, Тошканд ва Дашти Қипчоқ тарафиға азимат қилиб, андақ фурсатда Тошканд устиға келиб, Тошкандға яқинлашмоқға журъат қилолмай, Чимканд тарафиға ўтуб, Чимканд атрофида барча элатиядан солиғ ва закот деб бир неча мол олиб, қайтиб Тошканд устиға келиб, Ниёзбек мавзеиға кўнуб, урушмоқ бўлганда Мусулмонқули қўшуни ичидан, Шаҳрихон ҳокими Холл-Муҳаммад *додхоҳ* ва бошқалари Тошканд ҳокими Нор-Муҳаммад *қўшбеги*га жосус илан хат киргизуб айтибдурким: «*қўшбеги* ҳеч хавфу харос қилмасдан чиқиб уруш бошласун, бизлар ўз қўшунларимиз илан хонни олиб Тошкандға дохил бўламиз». Бу хабарни эшитиб, Тошканд қўшуни дарҳол шаҳардин чиқиб, Мусулмонқули қўшуниға муқобил бўлганда, Мусулмонқули хонни олиб, Чирчиқ дарёсидан ўтмак хабарини билиб, Тошканд қўшуни уруш бошлабдур. Мусулмонқули Худоёрхоннинг отини жиловлаб, Чирчиқдин ўткузмак бўлганда, аввало тил берган саркардалар хонни ўртаға олиб, Тошкандға олиб келиб, Мусулмонқулининг кетидин қанча баҳодирлар қувалаб борибдур. Мусулмонқули ҳазор машаққат илан қочиб, Паркат қишлоғи усти илан, Обликға бориб, андин Чодук йўли илан тоғдин ошиб ўтуб, Наманган, Марғузур устидин Учқўрғонға, ондин ўтуб, қайнотаси Ирискулибек қирғизнинг жойи бўлган Кетмонтепага бориб, паноҳ тортибдур. Бул йўлда Тошканд қўшуни Мусулмонқулиға қарашли кўп одамларни ўлдуруб ва асир айлаб, келтурубдурлар. Худоёрхонни ёнидаги қипчоқия ва сартия саркардалар хонни эъзоз-икром ила Тошкандға олиб келиб, ҳамма бо иттифоқ Мусулмонқулининг ўрниға Ўтаббой *қўшбеги* қипчоқни *мингбоши* кўтариб, бир неча кундин кейин ҳамма Хўқанд ва Тошканд қўшуни ила баробар Худоёрхон ўз пойтахти бўлган Хўқандға борибдур.

Ба ҳар соат фалак оташ бирезад,

Ба ғирболи ҳаводис жон бибезад.

[Ҳар соат фалакдан оташ ёғар,

Ҳодисалар ғарбелида у жон элайди].

Худоёрхон Тошканддин Хўқандға боргандин бир неча вақт ўтгандин кейин Тошканд саркардаларидин, чунончи, Муҳаммад-Ниёз *қўшбеги* ва Қосим *мингбоши* ва Муҳаммад-Ражаб *қўрбоши* ва Қанбар *шарбатдор* ва Каримқули *пансодбоши*²⁴³⁹ ва булардин бошқа бир неча понсод ва саркардалар иттифоқлашиб, маслаҳат қилишиб, бу тариқа қарор берибдурки, хонни дуо қилмак ва фотиҳа ўқиш баҳонаси илан Хўқандға бориб, қипчоқияларни тамом барҳам бериб, хонни атрофидаги ва бошқа жойлардаги қипчоқия ва амалдорлари ва бошқаларини би-л-кулли йўқ қиламиз деб. Маслаҳатни бир жойға қарор бериб, Нор-Муҳаммад *қўшбеги*ни ўзлариға иттифоқдош қилиб, беҳад ва беадад қўшун ила Тошканддин чиқиб, Хўқанд тарафиға азимат айлабдурлар. Бир неча кун йўл юриб, Хўқандға яқин Чорбоғи Тўранғу мавзейиға кўнуб, Хўқанд шаҳриға Худоёрхонга одам ва мактуб киргузуб, муддаоларини маълум қилибдурлар. Худоёрхон бу хабарни эшитиб, ҳайрон бўлуб, ҳеч тарафға мойил бўлмай, уларни саволиға жавоб ҳам бермай, такяни Худоға қилиб турубдур. Зероки, бу тариқа улуғ фитна ва фасод вақтида бирор тарафға мойил бўлмак ақл ва маслаҳатдин узокдур. Ва ҳам иш ислоҳ вақтидин ўтган эди. Хулосайи калом, Худоёрхон ҳеч тарафға мойил бўлмай, холис турубдур. Тошканд саркардалари Хўқанднинг ҳар маҳаллаларидаги аёни вилоятлариға хат киргузуб, олардин ёрдам ва мадад қилмақларини илтимос ва истидъо [умид] қилганларида ҳаммалари ёрдам беришга ваъда қилиб, сизларнинг карнайларингизға мунтазир бўлуб, турамиз деб айтибдурлар. Бу хурсандлик хабарини эшитган Тошканд қўшуни эрта бирлан (Чорбоғи Тўранғудин) кўчуб, чоштгоҳда шаҳарға дохил бўлуб, тўғри ўрданинг саҳниға келиб, саф тортишиб, андақ фурсат ўтмасдин дор ул-амароға дохил бўлубдурлар.

Вақтики, Мусулмонқули Тошканд устидаги урушдан қочиб Кетмонтепага борган эди, ул жойдаги қирғизиялардин қўшун жамълаб, Билқилламаға келмоқ бўлуб, тоғ этагида, икки дарёнинг ўртасида урушга тайёрланиб турган хабарини Андижон, Шаҳрихон ва Балиқчи ҳокимлари ва саркардалари эшитиб, ҳаммалари қўшунларини жамълаб, Мусулмонқулининг устиға бориб, уруш қилиб, андақ урушгандин кейин Мусулмонқули қўшуни мағлуб бўлуб, қочиб, қирғизиялардин кўп асир тушуруб олиб, ҳамма асирларни Боймурод Ботур ўғли деган ила Хўқандға юборибдур. Тошканд қўшуни Хўқандға кирмасдин туруб ярим соат илгари асирларни Хўқандға келтуруб, хануз Худоёрхонга маълум қилмасдин илгари Тошканд қўшуни кириб, Хўқандға бор қипчоқларнинг ҳаммасини ўлдуруб, уларнинг орасида банди олиб келган Боймуродни ҳам ўлдурубдурлар. Бир неча кунгача қаю жойда қипчоқ бўлса, топиб келтуруб ўлдурад эканлар. Ўрданинг олдида ва атрофида келтуруб ўлдурулган қипчоқларнинг ўлуги, тепа-тепа бўлубдур.

Ба ғавғойи пур шўри тошкандиён,

²⁴³⁹ Понсодбоши – беш юз нафарлик ҳарбий бўлинманинг бошлиғи.

Фаромўш кард роҳ қипчоқиён.
Дар он рўзи пур ҳавли офатасар,
Шуда ғарқи хун ҳамчу тўфониён.
Сари душманон мегирифт ҳамчу без,
Ба шамшер чун фили масти дамон.
Наҳангони дарёи қаҳру ситез,
Равон жўйи хун кард аз душманон.
Надида фалак то индам чунин,
Ки аз хўйи шамшерҳо хун равон.
Фалак дар мукофоти як қатра хун,
Чу селоб хун резад аз қотилон.
Ки гуфт кор бар ихтиёри ками,
Зи Мухтор дон кор аз худ мадон.
Касе бад кунад оқибат бад бувад,
Чи гардад ба пеш ояд аз чархи он.
[Тошкентликларнинг кучли ғавғосидан,
Қипчоқлар ўз йўлларини унутдилар.
Бу офатли, қўрқинчга тўла кунда
Тўфондагиларга ўхшаш қонга ғарқ бўлдилар.
Бездек шамшир билан душманларнинг калласини олардилар.
Қасоскор маст фил каби эдилар.
Қаҳру адоват дарёсининг наҳанглари,
Душманлар қонини ариқдек оқиздилар.
Шамширдан қон ариғи бўлганини,
Фалак шу пайтгача кўрмаган эди.
Фалак бир қатра қоннинг мукофоти учун,
Қотиллардан қон селини оқизади.
Иш одамнинг ихтиёрида деб ким айтади,
Бу Мухтор (худо) дан деб бил, ўзимдан дема.
Кимки ёмонлик қилса, оқибати ёмон бўлади,
Нима қилса чархдан ўша нарса қайтади].

Бул тарика илан қипчоқларни топиб ўлдуруб турган маҳалда Ўтаббий *қўшбеги мингбоши* қипчоқ Худоёрхоннинг орқа тарафиға ўтуб, хонни паноҳ тортиб, жонини саломат сақлаб ўлумдин халос бўлубдур. Ўтаббий *қўшбегидин* бошқа Хўқандда қипчоқман деган саломат қолмай ҳаммасини ўлдуруб, Хўқанд шаҳрини ва атрофини қипчоқиялардин тозалабдур.

Тошканд қўшуни дор ул-аморадаги қипчоқлардин халос ва хотиржам бўлуб, бир неча кун Хўқандда, Худоёрхон хузурида ором олишиб, ондин сўнг хотиржамлик илан мамлакатдорлик ишларини маслаҳатиға тушуб, аркони давлат ва аёни мамлакат ҳаммалари боиттифоқ хонга арз қилибдурларки: «Жаҳонпаноҳо, (наъм ал-инқилоб) бу ерда фориғбол ва хотиржамъ ғафлат ила ўтурмоқ ва вақт ўткурмоқ ақлдин хориж, маслаҳатдин узокдур. Зеро, эшитиладурким, Мусулмонқули янадин фитнес-фасодни кўзғаб, Андижон, Шаҳрихон ва Балиқчи ҳокимлари яқдил ва якжиҳат бўлуб, икки дарёнинг ўртасида ҳадди ташқари қўшун йиғиб, урушмоқға омода ва тайёр бўлуб турган эмиш. Бизлардин лозим шулки, олар кўзғолиб, бизнинг устимизга келмасдин илгари оларнинг устиға бориб, дафъига қўшиш қилсак».

Иложи воқеа қабл аз вуқуъ бояд кард,
Дареғ суд надорад, чу рафт кор аз даст.
Ба об кушта шавад оташе бувад андак,
Вагарна сар бикашад гирад ар рафт аз даст.
Аду бар жаҳондор агар як кас аст,
Ба чашми жаҳонбин ҳамчун хас аст.
Агар душмани шоҳ бошад ҳақир,
Замоне шавад мешавад ў далер.

[Воқеа юз бермасдан аввал унинг чорасиға киришмоқ керак,
Иш қўлдан кетгач, афсус ейишнинг фойдаси йўқ.

Олов оз пайтида сув билан ўчирса бўлади,
Осмонга ўралгач, уни ўчириш қийин.
Хукмдор учун душман битта бўлса ҳам,
Узоқни кўрувчилар назарида бу кўпдир.
Шоҳнинг душмани кучсиз киши бўлса ҳам,
Вақт ўтиб у кучли душманга айланиши мумкин].

Хулосаи калом, ҳамма би-л-иттифоқ қипчоқия узасиға қўшун тортиб бормоқға қарор бериб, атроф-жонибға хабарчи ва жарчи юбориб, қўшун йиғмоқға машғул бўлдилар. Бир неча кун ичида Хўқанд шаҳриға ниҳоятда кўп ададлик ҳар тоифа ва ҳар қабиладан қўшун жамъ қилиб, икки дарё, яъни дарёи Сир ва дарёи Норин ўртасида жамъ бўлуб, урушга омода бўлуб турган қипчоқия устига юриш қилдилар.

Қипчоқ қўшуниға рўбарў бўлуб Хўқанд аскарлари, мерган ва тўпчиларни тайёрлаб турган ҳолда қипчоқия жамоалари Билқиллама ичидин тўп-тўп бўлуб, қилич яланғочлар, маст одамдек бирдан хонни туғи тарафиға от қўйубдур. Хон қўшуни ҳам оларға қараб тўп, милтиқ ва жазоирдин ўт бериб, икки ўртада уруш ниҳоятда қизиб, бир-бири илан оралашиб ўруш маърақасидин ва тўп-тўфангдин чиқгон тутун ва чангу ғубордин олам қоронғу бўлуб, бир-бирини фарқ қилолмай қизиқ уруш бўлуб турган аснода хон тарафидин Маллахон ва Исобек ва бир неча саркардалар дарҳол душманға ҳамла қилганда, буларнинг зарби шамшириға тобу тоқат қилолмай, қипчоқлар ўз маконлари бўлган Билқилламаға қочганини билиб, хон қўшуннинг тўп тўпхонаси илан Билқиллама яқинидаги Пойтуғ мавзейиға²⁴⁴⁰ бориб қўнмоқлигини амр қилибдур. Бул урушнинг қизиқ вақтида аксар саркардалар хоннинг туғидин олис тушуб, туғ кўрунмаганлигидин хавф қилиб, баъзилари Хўқандға ва баъзиси Марғинон, Шаҳрихон ва Тошкандғача қочганлар бўлубдур. Хонни ўз ёнида ва туғнинг тагида туруб қочган саркардалар, чунончи, Хўжа Калон Жўйборий ва Муҳаммад-Ниёз қўшбеги ва Қосим мингбоши ва Мўмин Хўжа пансодбоши ва Муҳаммад-Назар қулоқ ва буларга ўхшаш бир нечалар қочган экан. Қочиб борган аснода Хўжа Калон шаҳид бўлубдур ва бу урушда номдор бир неча одамлар қатл қилинибдур.

Хулосаи калом, Худоёрхон (Пойтуғ) мавзейиға бориб қўнуб, тўпларга ўт берган овозини атроф жонибға қочган қўшун эшитиб, янадин хонга келиб қўшулуб, икки-уч кун ичида жамъияти азим бўлганини қипчоқлар кўруб, оларни қўнглиға воҳима ва хавф тушуб, ҳаммалари Мусулмонқулиға хужум қилиб, бир одам учун ҳаммамиз қирилиб, нест-нобуд бўламизму деб, охир ул-амр қипчоқлар Мусулмонқулини ушлаб, хонга олиб келиб, узр сўрабдурлар. Хон уларнинг узрини қабул даражасиға олиб, балки оларға инъому эҳсонлар қилиб, Мусулмонқулини бир неча давлатхоҳлари илан Хўқандға юбориб, икки одам бўйи баланд тахта барпо қилиб, Мусулмонқулини ул тахта узасиға ўтқузуб, омма халойиқға ибрат бўлсун деб бир неча кун турғузуб, охири хоннинг амри ила дорга осибдурлар:

Ҳар он сар шуд саркаши тождор,
Шуд оқибат ў сазовори дор.
[Ҳар вақт ким саркашлик қилса тождорға,
Оқибат сазовор бўлади дорға].

Мусулмонқулининг тарихи вафоти 1273/1856 ҳижрийда, андак вақт ўтгандин кейин Худоёр ўз акаси Маллахонни Тошкандға ҳоким қилиб юборибдур.

Бу миёнада Русиялар Оқмасжид шаҳрини забт қилгандин кейин²⁴⁴¹ Оқмасжидни русиялардин қайтариб олурмиз деган хаёл илан бир неча минг Хўқанд қўшуниға Шодмонхўжа ўроқ²⁴⁴² бош бўлуб, Оқмасжидға бориб, русияларға муқобил бўлмасдин қочибдур. Хўқанд ҳукуматдорларининг нодон ва илми сипоҳигарликдан беҳабарликлари шул даражада эканким Шодмонхўжа ўроқ қувватлик ва низомлик русияларға муқобил бўлуб, урушолмай қочиб келганига «сан урушолмай келдинг, гўёки хотун қаторида экансан» деб Хўқанд ўртасида жамъи азимнинг ўртасида Шодмонхўжанинг бошиға хотунлар рўймолини ўратиб, олдиға чархи дук қўйуб, шармандаи шармисор қилибдурлар.

Иш шул даражада бўлуб мамлакатнинг бир тарафидин бегона подшоҳ истило айлаб келиб турган ҳолда бирлик ва иттифоқлик ўрниға нифоқ ва беиттифоқлик балосиға гирифтор бўлишуб, Маллахон Тошканд ҳукмронлиги ва ҳокимлигига қаноат қилмай, Тошканд ва атроф-жониби то Дашти Қипчоқ аҳолиларининг анга тобеъ ва фармонбардорлигиға мағрур бўлуб хонлик ва салтанат савдосиға тушуб, Хўқандға Худоёрхонга бул тариқа мактуб юборибдур. Мазмуни шул эканким, сиздин ёшда улуғман, лозим шулки, ман Хўқанд пойтахтида хонлик маснадиға турсам, сиз мандин

²⁴⁴⁰ Бугунги кунда Андижон вилоятидаги Избаскент туманининг маркази.

²⁴⁴¹ Мазкур воқеа 1853 йили содир бўлган.

²⁴⁴² Ўроқ – вақф ерларининг ушр солиғига масъул киши. Ўроқ шаклидаги олган нишонини салласига тақиб юрган.

кичиклик сабабидин Тошкандга бек бўлуб турсангиз, хутбани ўз номимга қилдурсам, манинг таъзим ва эҳтиромим ҳар ваҳддин сизга лозимдур деб ёзибдур.

Худоёрхон мактуб мазмунидин огоҳ бўлуб, аркони давлат ва аёни вилоятларни жамълаб, мактубнинг мазмунидин оларни огоҳ қилиб, маслаҳат ва машварат қилишганда ҳамма баиттифок айтибдурларким, подшоҳ ва мамлакатдорликга ёши катта кичикликни дахли йўқ. Худованди карим бир одамни хоҳласа азиз қилиб ва бировни хор ва бемиқдор қиладур.

Бо худододагон ситеза макун,
Ки Худо додаро Худо дода аст.
«Ту’ти ал-мулка» гуфт дар Куръон,
Додани ўзи иллат озод аст.
[Худо берган кишилар билан душманлашма,
Чунки Худо берганига Худо бергандир.
Куръонда (Худо) «туъти ул-мулк» (мулк берилди) демиш,
У (яъни Худо) берибдими, демак у нуқсондан озоддир].

Лозим шулким, ўз ҳад ва мартабасини билмаган зотни огоҳ қилмоқ фитна ва фасод кўпаймасдин воқеани жойига келтурмоқ ва анинг фасодини дафъ қилмоқ бизларга лозимдур деб элчига жавоб бериб, онинг кетидин кўшун тадорикотини қилиб, беҳад ва беадад кўшун жамълаб Тошканд устига келибдурлар. Маллахон ҳам Тошканд кўшунини йиғиб, Тошканддин ташқари чиқиб, Хўқанд кўшунига муқобил бўлуб, икки кўшун орасида уруш бошланиб, андак урушгандин кейин Маллахон кўшуни Худоёрхон аскарига тобу тоқат қилолмай, қочиб, атроф-жонибга пароканда бўлганлигини Маллахон кўруб, уч-тўрт мулозимлари илан қочиб, шаҳарга кирмоқга илож тополмай, Сирдарёдин ўтуб, Бухоро тарафига азимат қилибдур. Худоёрхон асъасаю-дабдаба илан Тошканд шаҳрига дохил бўлганда, Тошкандни аёни вилоятлари ва уламо ва фузалолари истиқбол айлаб, ҳаммаларига хон қимматбаҳо сарупо инъом айлаб, бир неча кун туруб, Тошкандга Сўфибек Даврон *додхоҳ* тожик ўғлини ҳоким қилиб, Хўқандга равона бўлибдур.

Маллахон Бухорога борганда амири Бухоро тарафидин ҳурмат ва риоя қилиниб, яхши жой тайинлаб, вазифа муқаррар қилибдур. Бовужуд Худоёрхон ҳам шафқат ва марҳамат юзасидин ҳар ой сарупойи қийматбаҳо билан бир юз тилло юбориб турар экан. Шул тариқа илан икки йил ўтмасдин бародарлик меҳр-шафқати илан Маллахоннинг гуноҳидин ўтуб тахтга ўлтурганининг ўн тўртинчи йилида алоҳида мактуб ва одам юборуб Маллахонни Бухородин Хўқандга олдириб, ўз олдинин жой бериб, анинг эҳсон ва мурувватни қила бошлабдур.

Бу ходисотга икки йил ўтмасдин янадин Маллахон фитна ва фасод васвасасига тушуб, бир неча бебош ва кўрнамак ва беандиша одамларни ўзига жамъ айлаб, салтанат орзусига тушубдур. Бу ходисани Худоёрхонга еткурганда, Маллахонни ушламак хабарини эшитиб дарҳол Маллахон ўзини от устига олиб, Учқўрғон тарафига қараб қочибдур. Худоёрхон онинг кетидин бир неча пансодларини юборган эканлар, Маллахонга етолмадук деб ёлғон ва талбис сўзларни айтиб қайтиб келибдур. Худоёрхон қилган ишига пушаймон қилса ҳам, лекин, иш ўтгандин кейин пушаймоннинг натижаси бўлмай, қазога ризо бўлуб, Хўқанд шаҳрининг қўрғон ва атроф-жонибларининг истехкомига кўшиш айлаб, Худованди каримга таваккал қилиб хотир жамъ ўлтирибдур. Маллахон Учқўрғонга бориб, атроф-жонибдаги қирғизияларни талаб айлаб, кўнглидаги муддаосини изҳор қилганда, олар вақтни ғанимат билиб, ҳар қаюлари ҳукумат ва мамлакатдорлик ва мансаб ва амалдорликни ўзларига лозим фаҳмлаб Маллахонга иноат қилмоқга ваъда берибдурлар. Қипчоқ жамоаси ҳам доимо бул тариқа вақтни орзу қилиб, оларнинг муддаоларидаги фитна ва фасод, хунрезлик, талон-торож пайдо бўладургонини фаҳмлаб, қипчоқия улуғлари ҳам хомтамаълик илан булар ҳам Маллахонга ёрдам ва иноат бермоқга аҳд қилибдурлар. Андак фурсатда қирғиз, қипчоқ, қорақалпоқ ва қалмоқ ҳар жамоа элатиядин хоҳ сийғоқ ва хоҳ усроқ гуруҳ-гуруҳ йиғилишиб ҳаммалари боиттифок Маллахонни хон кўтариб, туғ байроқлар бойлашиб Асака устига келиб кўнубдурлар, ул жойда бир неча кун туриб, Андижон, Шаҳрихон, Асака шаҳарларига элчи киргузуб, кўшун ва ёрдам талаб қилибдурлар. Ул шаҳар тортуғ ва пешкашлари илан чиқиб, Маллахонни кўриб, ҳаммалари мутеъ ва мунқод бўлуб, арз қилибдурларким, бу жойда кўп таваққуф қилиб, вилоятни оёқ ости қилмоқ дуруст эмас. Бу вилоятлар ҳаммаси қадим ул-айёмдин буён Хўқанд дор ул-амаросига тобеъдур. Бас, сизлардан лозим шулки, таъхир қилмасдан кўшунни Хўқанд тарафига азимат қилдурсангизлар дебдурлар. Бу сўзлар жамоаи қипчоқия ва қирғизияга маъқул бўлуб, дафъатан кўшун ул жойдин кўчуб, Самончи мавзейининг шарқ тарафига кўнубдур. Бу хабарни эшитган Худоёрхон дарҳол кўшун жамламоқга фармон қилиб андак вақтда беҳадду ҳисоб кўшун жамълаб шаҳардин чиқиб, Сари тол мавзейига кўнуб, икки-уч кун ул жойда таваққуф айлаб, андин кўчуб,

Самончи тарафиға кипчоқ, қирғиз устиға равона бўлуб завол вақтида икки қўшун бир-бириға муқобил бўлуб саф ораста қилишиб, уруш бошлаб айна қизик уруш бўлуб турганда Худоёрхон қўшуни ичидин Фармон *додхоҳ* ном Облиқ саркардаси ўз қўшуни туғ-яроғи илан қочиб, пароканда бўлуб кетибдур. Бу аҳволни кўруб аҳли қўшуннинг бошқа саркардалари ҳам тил бериб иттифоқлашгандур деган хаёл илан ҳаммага воҳима тушуб, бирдан уруш маъракасидан қочибдурлар. Худоёрхон бир неча нафар сарбоз ва тўпу тўпхона илан душман қўшунининг рўбарўсида устивор турган ҳолда, якбора Маллахон бир неча мулозимлари илан Худоёрхонга ҳамла қилиб, икки шахзода бир-бирлариға муқобил бўлуб қиличбозлик қилиб, бир-бирлари илан неча мартаба радду бадал айлашиб охири Маллахон Худоёрхоннинг урган қиличи зарбидин баҳазор машаққат халос бўлуб, бир-бирларидан айрилибдурлар. Охир ул-умур Худоёрхон *тўпчи* сарбозларининг ғайрат ва шижоати илан уруш қила-қила ҳамма тўпларини сихат ва саломат Хўқанд шахриға келтирибдур.

Худоёрхон Хўқандға қайтиб кирганидан кейин Маллахон ниҳоятсиз кўп кипчоқ ва қирғиз қўшунлари илан келиб, Хўқанддин бир манзил жойдаги Қоровултепа мавзейиға қўнуб, қўшуннинг атроф-жонибиға эҳтиёт юзасидин ўр ва хандақ қоздуруб, муддати бир ойға яқин ўшал жойда истиқомат айлаб, кипчоқ ва қирғизлардин бошқа атрофдаги қишлоқ ва шаҳар аҳолиларидин сартия ва тожикияларни ҳам ўзиға мутеъ ва мунқод айлабдур. Хўқандға ҳужум қилмоқ хабарини эшитган Худоёрхон анга муқовамат қилмоқға ожизлигини фаҳмлаб ноилож намакхўр ва давлатхоҳ одамларини йиғиб, оларға узрхоҳлик айлаб, дилдорлик бериб, хотиржамълик илан Хўқанд шахридин чиқиб, Бухоро тарафиға азимат айлаб, Хўжанд шахриға бориб, андин жўнаб, бир неча кун йўл юриб, Самарқанд шахриға борибдур. Самарқанд волийси Худоёрхоннинг келган хабарини эшитиб, эъзоз ва икром илан яхши ва олий иморатға тушуруб, бир неча кун меҳмоннавозлик айлаб, воқеани амири Бухороға маълум қилганда, амир махсус *махрам* юбориб, Худоёрхонни Бухороға олдуруб ҳаддан ташқари ҳурмат ва эъзоз айлаб, подшоҳларға лойиқ ва муносиб жойи олий, зиндакорчиликка тааллуқ ҳамма асбоб ва анжом тайинлабдур.

Худоёрхон Хўқанддин чиқиб кетгандин кейин Маллахон тоифаи кипчоқ, қирғиз ва жамоаи бепархезлар илан Хўқандға дохил бўлуб, 1275 *тарихи* хижрийда/1858 йили, от йилида Хўқанд тахтига, маснадиға ўлтурубдур. Маллахонни хонлик маснадида ўлтурганиға назм тариқасида бу *тарих* айтилибдур:

Пиразоле, ки дар либоси арўс,
Ҳамаро мефиребад ў ба фусус.
Ҳар замоне гузида сад домод,
Духтари солхўрдаи бе номус.
Оқилон гар ба ақди худ гиранд,
Накунанд дар бағал наоранд бўс.
Гарчи ораста ба зевару зар,
Нахарад он, ки оқил аст ба фулус.
Он ки ғарра бар жулуси ў,
Бар умедде, ки шуд варо побўс.
Навбати даври Маллахон ки расид,
Пири фартут зад ба номаш кўс.
Давр омад бар ў талаби ин кард,
Ки надонист ки мешавад маъюс.
Мисли пешиниён ба ақди худ,
Чу даровард пирасол арус,
Тож бар сари мақр ба тахти шахи,
Карда он дар замон ба вақти нуҳус.
Таърихаш чашми ў чунин бар ман,
Хабаре дод хурд ў афсус.
«Маллахон соли асб зин карда,
Такупў карда шуд қарини жулус»
[Келин либосини кийган қари зол кампир,
Ҳаммани афсус едириб алдайди.
Бу ёши ўтуб қолган беномус қиз,
Ҳар нафасда юзта куёвни ихтиёр қилади.
Ақлли кишилар уни никоҳиға олсалар,
Қучоқлаб, ҳеч қачон уни ўполмайдилар.

У гарчи олтину тақинчоқлар билан ясанган бўлса ҳам,
Ақлли одам уни пулга сотиб олмайди.
Унга ўтиришни орзу қилган киши,
Бу умид билан унинг оёғини ўпди.
Маллахоннинг давр навбати етиб келгач,
Бу кампир унинг номига ногора чалди.
Даври келгач, уни талаб қилди,
У маънос бўлиб қолишини билмади.
У ўзидан аввал ўтганлар каби,
Бу қари келинни никоҳга олди.
У наҳс замон юз берган пайтда,
Бошига тож қўйиб, тахтда қарор топди.
Бунинг *тарих* йилини қидирган эдим,
У афсус еган ҳолда бунинг хабарини берди,
«Маллахон от йили эгарга чиқиб,
Тақупу билан тахтга ўтирди»].

Мисраи сонигаги «жулус» калимасини мисраи аввалга қўшган ҳолда 1275/1858 чи тарих ҳосил бўладур.

Вақтики, Маллахон хонлик тахтига ўлтургандин бошлаб, ёввойи ва саҳронишин қирғиз, қипчоқларга хос ўрдадин жой бериб, доимо оларни ўзиға ҳамсар ва ҳамнишин [яқин] қилиб, ҳукмронлик ва вазирлик ишларини оларға таъфиз айлаб, эски ва қадимий вазир ва надимларни кўздин ташлаб, ҳукуматдорлик ишларидин би-л-кулли бепарво бўлуб, мамлакатдорлик ишларининг ҳаммасини беилм ва бедониш саҳройи қирғиз ва қипчоқларга топширибдур, олар ўз ихтиёрларича иш қилиб, мамлакатдорлик ишидин мутлақо ғофил ва беҳабар бўлуб, фуқароларға хоҳлаганларича жабр ва зулм кўргузуб, атроф-жониб ва сарҳадларидин хабардор бўлмай, жулуснинг иккинчи йилида русиялар Олмати шаҳри илан атроф элатиясини истило қилибдур. Бу хабарни эшитган Маллахон Андижон ҳокими Олимбек қирғизни Қуртақа ва Кетмонтепа тарафи илан ва етти нафар понсодбошини Тошканд ҳокими Қаноатшоҳ ва Шодмон Хўжани буюруб, булар беҳадду ҳисоб қўшун илан Олматиға бориб, Олмати илан Ҳаштак орасида оз миқдорлик Русия қўшуни илан муқобил бўлуб, бир оз уруш, отиш қилиб, русияларнинг отган ўқиға тоқат қилолмай, кейин қайтиб ўшал атрофдаги қозоқ, қирғизларни кўчуруб, Пишпак, Мерка ва Авлиёота тарафиға ўткузуб, Олимбек Андижонга, Қаноатшоҳ Тошкандға қайтиб келибдур.

Маллахоннинг тахтга ўлтурганининг учинчи йилида русиялар Окмасжид ила Туркистон миёнасидаги Янгиқўрғонни олиб, ичидаги Хўқанд тарафидин илғор бўлуб, қўрғон бойлаб ётган аскарларни яроғ-аслаҳаларини ва от-уловларини олиб, ўзларини пиёда ҳайдаб юборибдур. Янгиқўрғонни Русиялар олгани хусусида Туркистонда илғор бўлиб ётган Хўқандлик Мирзо шоир назм тариқасида бул тариқа ёзғон экан:

Янгиқўрғонни олди деб ўрус,
Хабарин бизга еткуруб жосус.
Деди ҳозир бўлунг кеча ётмай?
Десангиз мулкни аксар сақлай.
Яна ногоҳ агар келиб кечаси,
Рус эли қалъа олгали нечаси.
Суръат ила бориб Қаноатга,
Еткуруб бу хабарни ҳам анга.
Бул хабарни Қаноат арза билан,
Еткуруб боргоҳга таъкид илан.
Хон буюрди Кировчи қўшунини,
Санчиқли элатини ҳамласини,
Бўлди маъмур санчиқлию қурама (халқи)
Ул қўшулди бориб Қаноатга.
Тошканд ҳокими Қаноатшоҳ,
Йўл юруб суръат ила хоҳ махоҳ,
Келиб ул тушти ҳазрати султон,
Дашти Қипчоқ элин қилиб аломон.
Истиқомат қилиб беш-олти кун,

Барча қўшунга берди пул ила тўн.
Янгиқўрғонни илғори ул кун
Етти кўчмасидин илғари қўшун.
Бандиларга Қаноат айлаб раҳм
Лутф этиб берди тўн ила дирҳам.
Сўрдилар бандиларнинг аҳволин,
Рус аҳлини қилган атворин.
Деди рус аҳли ҳолимизни сўруб,
Берди рухсат кетинглар эрта туруб,
Ихтиёр ўзимизга деди қўйуб,
Хоҳ кетинг, хоҳ турунг пиёда юруб.
Бу ила рухсатини берди, олди яроғ,
Бўлдук бул дамда турмайин кетмоғ.
Бизга ўруски берди рухсатни,
Муғтанам билдук онда фурсатни.
Жўнадук турмайин нафас олмай,
Юрдукки йўлда бир нафас турмай.
Бандилар сўзини Қаноатшоҳ,
Англади ҳам эшитди барча сипоҳ.
Чиқди анжомини қилиб қўшун,
Илғор айлаб, ҳамма юруб, тун-кун.
Баски қўрғон бориб нузул этди,
Кўрди қўрғонни ва хуш кетди.
Ўт қўйиб кетган эди русиялар
Қўймайин элни ҳам мусофирлар,
Жониға ўт тушуб Қаноатни,
Рус элини чопарға қасд этди.
Элни чопмоқға ўтди дарёдин,
Олди анча сипоҳи дилхоҳдин.
Қанча қўшунки қолди Сир лабида,
Ўтмайин сувдин улки йўл лабида.
Амр этиб Сирдин ўтмаганларни,
Сир лабида сипоҳни қолганини,
Буйла ул дам Қаноат амр этди,
Сиз Жўлакни қаманг деди кетди.
Бул қўшун мунда турмайин жўнади,
Йўлда бир неча ётди ва тунади.
Бул қўшун Жўлак устиға бориб
Бул юруб суръат ила тун қотиб,
Борибон бул юруб Жўлакни қамаб,
Бир кун турди онда, кетди жўнаб.
Ул қўшун бориб, Оқмасжид элини,
Олди ва қайтди бир неча бийни.
Ул қўшун келди сувнинг ул юзиға.
Туш ба туш тушдилар сувнинг лабиға,
Сўнгра ўтди қўшулди бир-бириға.
Жойким бир қўнуш эди Жўлак,
Мавзейи эрди они оти Тувак.
Айланиб ўтган эрди Сирни суви,
Қўрғонға муносиб эрди бари.
Онда кўрғонни тарҳини солди,
Қилди қўрғонни ондин от қолди.
Токи ул қўрғон тугагунча,
Ишлади барча қўшун ўлгунча.
Мен фақир ҳам қўшунда бор эрдим,
Халқдек ман ҳам иш қилур эрдим.
Оқибатким туганди ул қўрғон,

Хондин биз учун етиб фармон.
Шуйла фармонки, еткуруб *махрам*,
Тез жўнатсун сани, сипоҳни ҳам,
Жўнадук онда турмайин бир дам.
От югуртуб юрар эдук ҳар дам,
Кун-тун суръат ила йўл йурдук,
Тошканд шаҳриға келиб кирдук.
Қилди деб бизга мунда келди хабар,
Маллахон Тошкандға азму сафар.
Қилди азму сафарни Хўқанддан
Келгуси Маллахон Хўжанд бирлан.
Илғор аҳли эшитди ушбу хабар,
Жўнади йўлға тушди вақти саҳар.
Уч куни йўлни суръат ила йуруб,
Олдук ором Сир лабиға қўнуб.
Кеча дарё лабида қолди қўшун,
Эртаси бўлди рухсати ўтсун.
Ўтдилар суръат ила дарёдин,
Барча умид этиб саруподин.
Қилдилар таъзим ила хонни дуо,
Бўлсун ҳар ишда ёр сизга Худо.
Берди рухсатни барча илғорга,
Кўрди тун бермайин сипоҳларга.
Хон ўтуб йўлға тушди дарёдин,
Ким кезиб йўлни дашту саҳродин.
Ул кеча қолдилар ётиб илғар,
Ким Хўжанддин чиқиб юрарга саҳар,
Йўл кезиб уч кун Хўқанд тушдук,
Хом эдук биз сафар қилиб пишдук.
Мушкул иши йўқки бўлмаса осон,
Мард лозимки бўлмагон тарсон.
Келса бошингга ҳар на Ҳаққдин кўр,
Сабр қилсанг они қилур Ҳаққдур.
Ким, санга эй Ниёзий, лозимдур,
Бу сафар *тарихин* хираддин сўр.
Буйла деб *тарихин* хирад тузди
«Илғар аҳли оёғини узди».

Хурматлик қориларға маълум ва равшан бўлғайким, «илғар аҳли» иборатининг «оёғи» ким, «йой» ҳарфидур [10 раками], узуб исқот қилинганда, 1278/1861 *тарих*да шул тариқа назокат ва латофат бордурким, Дашти Қипчоқнинг интиҳоси бўлган мавзеларни русиялар истило айлаб, минбаъд Хўқанд кўшуни ва илғорлари ул жойларда ном нишони бўлмай, оёғлари узилган сабабдин «илғор аҳли оёғини узди» моддаи *тарих*га ғоятда лойиқ ва муносиб тушубдур. Яна иккинчи *таърих*:

Бул сафар *тарихин*ким истар ул,
Ақл айдики, онга илғор ул.

Бу байтда лафзи «илғор ул» беидхол ва беихрож моддаи *тарих* тушадур.

Русияларнинг Туркистон вилоятини истило қилганларининг сабабини Хўқанд хонларининг ўз дохийий фитна ва иғтишошлари сарҳад ва элатияларнинг талон-торожини босмоқға қувват ва иқтидорлари йўқлигини ўтган газетларда баён қилиб кўрсатилган эди[к]. Яна мундин бошқа бир қайта сабаб Дашти Қипчоқдаги қозоқ хонларининг Русия чегарасида қилган талон-торожлари, хусусан, русияларнинг бу тарафларга келмоқлариға йўл очди.

Дашти Қипчоқнинг ўртасида бўлган Чу дарёсининг паст тарафида Сарисув ва Хон тоғи деган жойларда аввало, Аблойхон, унинг ўғли Қосимхон, хусусан, Қосимхоннинг ўғли Кинасарихон деган қозоқ хони ўзиға қанча қозоқларни йиғиб, гоҳ Русия чегарасидин ўтуб Қарқароли ва Қаро Ўтгул, Қизил жар тарафлариға бориб, Русияға тобеъ иккинчи Русия мужикларини чопиб, талон-торож айлаб, йиғиб турган пичан ва экинлариға ўт қўйиб ва баъзи вақтда йўл тарафиға келиб, Туркистон шаҳри, Чўлоққўрғон, Сўзоқ атрофларидаги элни чопиб, баъзи вақт Олмоти, Пашпак устиға бориб,

қароқирғизлар ила уруш қилиб, оларни ўлжа ва асир айлаб кетмоқда эди. Кинасарихонни Наврўзбой *тўра* ва Эржон *тўра* деган икки укаси бўлуб, олар ўз вақтларида ниҳоятда баҳодирлик ном кўтариб Кинасарихон, Наврўзбой ва Эржон тўраларнинг ҳар қаюлари қозоқларнинг энг баҳодирларидин қирқ нафардин йигит қилиб, оларнинг номини қирқ йигит қўйуб, қаю тарафиға талон-торож учун отланиб бормоқ бўлсалар, ул қозоқ тўраларини қирқ йигит ўртаға олиб юрар эди. Камина муҳаррир Қарқароли уездига тобеъ етмиш беш ёшлик мазкур қирқ йигитларнинг машҳур баҳодирларидин Оғуй ботур деганни бу тарихдин қирқ икки йил муқаддам Чўлак мавзейида кўруб сўзлашган эдим. Кинасарихон бародарлари илан қирғизларнинг қўлиға асир бўлуб тушганлигини ул Оғуй ботур ўзи Омонжул деган ўғли илан қочиб қутулганини баён қилиб эди.

Гинаким ёвға чопар овлайлаб,
Кетидин биз юрамиз оҳ-войлаб.

деган иборатни Оғуй ботурдин эшитган эрдим. Хулосаи калом, Кинасарихон Сарисув, Чу, Хонтоғибой, Қоражамбул, Бадбахтнинг чўли ила атрофини, бир тараф Олмаги, бир тараф Оқмасжид дашти саҳролариға ҳукумат юргузуб, гоҳ Русия тарафиға ва Русиядин Туркистонға келадиган карвон савдогарларини талон-торож қилиб, кўп савдогарлар молу дунёларидин айрилиб, дашту саҳрода сарсон ва саргардон бўлган эрдилар. Бу воқеаларни фаҳмлаган русиялар ўзлариға хон ном қўйган йўл босарларни барҳам бериб, саҳродаги элатияларни ва ҳам икки орада қатнайдуригон савдогарларни тинч қилмоқ муддаосида Туркистон тарафлариға аскар юбормоқни лозим билдилар. Кинасарихон неча мартаба Пашпак, Қумоқ, Марки устида Сарбоғич деган қорақирғизлар устиға келиб, чопиб, молларни ҳайдаб ўғил-қизларини ўлжа, асир қилиб кетар эди. Ул тўраларни золим ва хунхўрликларини шул тарика нақл қилган эдиларким, қирғизлардин асир тушган бечораларни қатор қўйуб, кимнинг қиличи ўткир деб бир-бирлариға фаҳр қилишиб, қатор турган қирғизлардин икки-учтасини бирдан бўйниға чопиб, калласини узуб, ўлдулар экан. Охири Кинасарихон яна бир дафъа кўп қозоқ қўшунини илан Чу дарёсини Ит кечук ва Қозуқ қоқгон деган мавзеидан ўтуб, Қуроғ ўти илан юруб, қорақирғизлардин султа сарбоғишларининг устиға келган вақтда, қирғизлар ҳам бор қувватларини ишга солиб, оларнинг муқобилиға чиқиб, уруш қилиб, охирида Кинасарихон илан онинг бародарлари Наврўзбой *тўра* ва Эржон *тўра* ва булардин бошқа кўп қозоқияларнинг катталари қирғизларға асирға тушуб ўлган ва ярадор бўлуб қолгандин бошқа бир оз нафарлари Қуроғ ўти ва Чу орқали қочиб, ҳалок бўлибдур. Қирғизлар Кинасарихон илан икки укасини ўлдуруб, қирғизларнинг ўзлари ва бошқа халқлари ҳам ул қозоқ тўраларнинг талон-торожидин халос бўлдилар.

Ул уруш хусусида Авлиё ота ва Ёздиға тобе Қушчи бўлустини қирғизи хитой-қирғиз тоифасидин Бўканбой ном бир қирғиз камина муҳаррирға шул тарика баён қилган эдиким: «Қозоқ тўралари илан уруш қилдук, андак уруш қилгандин кейин Эржон *тўранинг* отиға ўқ тегиб, отдин тушуб пиёда қолди, они бизлар асир олдук. Ондин кейин бизлар бирдан от қўйдук, қозоқиялар туролмай, қоча бошлади. Кинасарихоннинг оти чарчаб, отдин тушуб, бир тепанинг устида турган экан, они ушлаб олинди. Наврўзбой *тўра* ҳам қўлга тушди. Милтиқ ва найза ҳарби илан ўлган ва ярадор бўлган қозоқларнинг ҳад-ҳисоби йўқ эди. Манинг яқинларимдин бир қирғиз ярадор бўлган эди. Онга қирғиз русумича душман тараф одамларидин бир одамнинг ўтини олиб ичирмоқ лозим бўлди. Қарасам бир қозоқ ярадор бўлуб ётган экан, отдин тушуб онинг чап қобурғасидин ёриб, ўтини олиб отимга миндим. Шул аснода ул ўтни олиб, ярадор бўлуб ётган қозоқ манга айтдиким, мани мунда ташлаб кетмай, олиб кетиб боқсанг яхши бўлуб тузалар эдим. Ман онинг сўзиға қулоқ солмай жўнаб кетдим».

Бу сўзни эшитиб, камина ул қирғизнинг бераҳм ва тошюраклигига ҳайрон бўлган эдимки, мундай бадбахт, тошюрак борлигига, лекин у қирғиз бетартиб ва саҳройи одам эди. Ондин раҳм ва марҳамат кутиш мумкин эмас эди. Лекин алҳол урушуб турган тарбиятлик ва маданий деган немисларнинг қилган бераҳмлиги ва инсофсизлиги ул саҳройи қирғиздин ҳам неча даражада ёмонроқ эканлиги эшитилибдур.

Вақтики, Маллахон Тошкандда бир неча кун туруб, ондин жўнаб Хўқандға бориб, бир неча вақтдин кейин Тошкандга илғор тарикасида сартия ва тожиқиялардин бир неча аскар юборди, бу қўшун Тошкандға жўнатгандин бир неча кун ўтгандин сўнгра Маллахоннинг ўз ҳамнишинларидин бир неча кўрнамак ва худобехабарлар, чунончи, қирғиз жамоаларидин Олимбек *додхоҳ* ва Хидир Али ва Мулло Олимкул ва Худойназар тожик ва бир неча бошқа қипчоқ ва қирғизлар ва бошқалар бамаслаҳат ва иттифоқлашиб, маслаҳатни бир жойға қарор бериб, тарихи хижрийнинг 1278 йилида

йигирма тўртинчи шаъбон ойида, душанба кун кечаси²⁴⁴³ мазкур баён бўлмишлар, ногоҳондин ўрдага босиб киришиб, Маллахонни ётган жойида шаҳид қилдилар.

Зикр бўлмиш қирғиз, қипчоқ ва тожик кўрнамак саркардалар Маллахонни ўлдургандин кейин мамлакатдорлик маслаҳати ва ҳукуматни ўз дасти тасарруфларида тутмоқ муддаосининг мулоҳазаси илан Шералихоннинг набираси, Саримсоқхоннинг ўғли Шоҳмуродхон номли ўн ёшли бир хонзодани баиттифоқ «хон» ном қўйиб ўзларининг қадимги расму одатларича оқ намадга кўтариб, хонлик тахтига ўлтурғиздилар.

хонлик тарихининг тўртинчи йили ва охири ҳукмронлиги асрида Ҳазрат Калон Соҳиб мадраса ва хонақоҳларини бино айлаб, ул хонақоҳ биносига бул тариқа *таърих* айтилибдур:

Аз инояти Эзиди мутаъол,
Лангар арзи дин ҳамчу жибол.
Ғавси офоқ ҳазрати Соҳиб,
Инчунин кард иморат ба камол.
Масканро равон аҳлиллоҳ,
Маъдани файз нури илми қол.
Пояи маънияш ба арши мажид,
Будаст ҳамчунонки сидра мисол.
Чашмаи нур мажма ал-бахрайн,
Ёфт жори ду баҳри қолу ҳол.
Ин бино ёфт бо хама ташриф,
Шараф машҳади биҳишт мисол.
Дар васфаш кужо тавон сухан,
Аз ҳазорон яке ба чандин сол.
Ақл гуфт аз бинои таърихаш,
«Маҳали файзи илми ҳолу қол»
[Улуғ Аллоҳ нияти билан,
Тоғ ерни тутиб тургандек, динни тутиб турувчи лангари,
Оламларнинг ғавси Ҳазрати Соҳиб,
Қуйидаги (сифатли) иморатни бино қилди.
Аҳлуллоҳ (авлиёлар) юрадиган йўлдан маскан,
«Илми қол»га файз нурини берувчи маъдан.
Худди Сидра дарахтига ўхшаб,
Маъно зинаси улуғ Аршга етган.
Қол ва ҳол каби икки денгиздан,
«Мажмуаъ ул-Бахрайн (икки денгиз)нинг нур булоғи оқиб чиққан.
Жаннат қандай зийнат топган бўлса,
Бу бино ҳам ўшандоқ зийнат топди.
Унинг мингдан бар васфини неча йиллаб,
Қачон адосиға етказиш мумкин.
Бу бинонинг *тарихи* ҳақида ақл шундай деди:
«Маҳалли файзи илми ҳолу қол»].

Ушбу кейинги мисраъ ихрожу идҳолсиз моддаи *тарих* бўладур (1278/1862].

Вақтики, Маллахонни шаҳид қилиб, Шоҳмуродхонни хон кўтарган вақтда Худоёрхон Дизах шаҳрида истикомат қилиб турган эди. Қаноатшоҳ Тошканд ва Қурама қўшунлари илан Туркистон шаҳрида эди. Бу хабар, яъни Маллахоннинг ўлдурулган хабарини Қаноатшоҳ эшитиб, андин кейин ўз олдидаги аъёни лашкарларини йиғиб, маслаҳат қилиб айтибдурким, эй улуғлар, Хўқанд шаҳрида Маллахонни ўлдуруб онинг ўрнига Шоҳмуродхонни хон кўтариб, Шодмонхўжани *мингбоши* қилибдурлар. Агар ҳаммаларингиз баиттифоқ манинг маслаҳатимни қабул кўрсангизлар, Худоёрхонни Тошкандга олиб келиб, хон қиламиз деганда ҳамма Қурама ва Тошканд саркардалари ва қозоқия Дашти Қипчоқ бийлари бу маслаҳатни қабулға олиб, ҳаммалари баиттифоқ Диззах шаҳрига Худоёрхонга одам юбориб, хонлик маснадиға таклиф айлабдурлар.

Худоёрхон ҳам Маллахоннинг ўлдурулганини эшитиб, бу ҳодисани кутуб турган экан. Дарҳол ўз мулозимлари илан отланиб, Тошканд тарафиға азимат айлаб, бир неча кун йўл йуруб, Чордара мавзейиға келиб қўнибдур.

²⁴⁴³ 1862 йили, 24 февраль.

Бобожон номли *чодарбеги* одам чиқориб, арз қилибдурки, жаҳонпаноҳо вақт ва фурсатни ўтказмасдин тезлик илан дарёдин ўтиб, Чинос қалъасига дохил бўлсангиз, чунки, алҳол Чинос ҳокимсиздир. Ҳокимнинг ўрнига ақтинча Мирзо Комил турубдур. Бу хабарни эшитиб, Худоёрхон Чинос тарафига азимат айлаб, Сирдарё лабиға келиб, бир икки кун тўхтабдур. Хоннинг келган хабарини Мирзо Комил эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлуб, хоннинг истиқболиға чиқиб, Чиносға кирмақға хонни таклиф айлабдур. Хон Мирзо Комил илан аҳду омонлашиб, Чинос шаҳриға дохил бўлубдур. Худоёрхон Чинос шаҳриға дохил бўлгандин ке йин Мирзо Комил мирзо Тошканд шаҳрининг калоншаванда ва муттасаддиси бўлиб турган машҳур Мулла Солиҳбек Охундға мулозим ва хат юбориб, воқеотни баён айлабдур. Бу хабарни эшитиб, Мулла Солиҳбек Охунд Тошканд аёни вилоятларини жамълаб, Худоёрхоннинг Чиносға келганлигини ва Қаноатшоҳ аёни вилоятларнинг иттифоқ ва маслаҳати илан одам юбориб, таклиф айлаганлигини баён ва аён қилганда, ҳамма аёни Тошканд қабул айлаб, хоннинг истиқболиға чиқмоқға омода бўлуб, хурсандлик илан тўп-тўп, гуруҳ-гуруҳ аён ва ашрофи Тошканд Зангиота ва Эски Тошкандғача борибдурлар. Бу хурсандлик хабарни Худоёрхонга еткурган замон хон отланиб, Тошканд тарафига азимат айлаб, андақ фурсатда эски Тошкандға келиб, истиқбол қилгувчи аёни вилоятлар, хусусан, оларнинг бошлуғи Мулла Солиҳбек Охунд илан мулоқот қилиб, омода қилинган саропардаға хонни эъзоз-икром илан тушуруб, бир-бирлари илан аҳвол ва аҳбор сўрашиб, таом тановул қилиниб, андақ фурсатдин кейин отланиб, Тошканд тарафига жўнаб, Зангиотаға келиб тушуб, одоби зиёратни бажо айлаб, шайхларга назр ва ҳадялар бериб, ул жойда ҳам тайёр қилинган таом ва дастурхонда андақ ўлтуруб, андин шаҳарга жўнабдурлар. Зангиотадин то Тошканд шаҳриғача кўчанинг икки тарафида хоннинг истиқбол ва томошасига чиқгон одамнинг ҳад-ҳисоби бўлмай, хон ҳаммалариға таъзим айлаб, хушхулқ ва ширин сўз илан ҳаммалариға кўнгул бериб, шону шавкат илан Тошканд шаҳриға кириб, ўрдаға тушубдурлар. Ондин кейин уламо, фузало ва машойих ва Тошканд калоншавандаларининг маслаҳат ва иттифоқлари илан Худоёрхонни оқ намадга солиб тўрт тарафидан тўрт уламо машойих кўтариб, хонлик маснадиға ўлтурғузубдурлар.

Худоёрхон тахтға, хонлик маснадиға ўлтургандин кейин ҳамма аёни вилоятлар келиб муборакбод қилишибдурлар. Икки-уч кун ўтгандин кейин Қаноатшоҳ лашкари илан Дашти Қипчоқнинг маркази бўлган Туркистон шаҳридин Тошкандға келиб, аркони давлат ва аёни вилоятлари илан хонга манзур бўлибдур.

Хон Қаноатшоҳға кўп меҳрибонлик кўрсатиб, зардўз жома ва бошқаларға ҳам муносиби аҳвол, сарупо инъом айлаб оларға рухсат бериб, ҳар қаюларини манзиллариға бормоқға ижозат берибдур. Бу миёнада бир неча кун ўтуб, ҳар кун саркардалар хонга кўрунуш бериб, атроф-жониб вилоятлардин элатия улуғлари келиб, кундин-кун Худоёрхоннинг давлати ва қуввати кўпайибдур. Бу хабарни эшитган Хўқанд амалдорлари ноиложлигидан кўшун жамълаб, Тошканд тарафига азимат айлаб, Хўжанд, Қўштегирмон илан юруш қилиб, ул мавзеларда Худоёрхон тарафидин мутассади бўлуб турган Мирзо Давлат тожикни ўзлариға тобеъ айлаб, Сирдарёдин ўтуб, Қурама тарафига, Кировчи ҳокими тошкандлик Рустамбек *додхоҳ* Қозоқбой *оқсоқол* ўғлини неча ваъда ваъидлар илан уруш-талашсиз ўзиға тобеъ қилиб, андин жўнаб икки кун муддатда Тошканд устида Ниёзбек кўрғонига келиб, онинг мутасаддисини ҳам биргалаштуруб олиб Тошканд устиға келибдурлар. Тошканд аҳолилари Худоёрхон ва Қаноатшоҳ бошлуқ Тошканд шаҳрининг кўрғонларини мустаҳкам айлаб, ҳар кун Тошканднинг баҳодир йигитлари қипчоқ, қирғизлар илан чиқиб уруш қилиб, оларни қайтариб турмоқда эдилар. Бир неча вақт шул тарика илан уруш қилиб турганда Тошкандни қамаб турган қипчоқия кўшуни бошлуғи Мулло Олимқулиға хабар келибдурким, амири Бухоро Хўқанд тарафига азимат айлаб, Бухородин жўнаб, Самарқанд шаҳриға келдилар, деб. Бу хабарни эшитиб, қипчоқ кўшуниға ваҳму ҳарос тушуб, дафъатан Тошканд устидин кўчуб, Чирчиқ дарёси лабиға кўнуб, эртаси Чирчиқ дарёсидин ўтуб Кировчига бориб, андин Сирдарёдин ўтмай Хўжанд дарёси лабиға бориб, Хўжандға ҳам илғор қўйуб, андин Самғар тарафи илан Хўқандға бормоқ бўлуб, дарё лабиға кўнуб, шул жойда саркардалар бир-бирлари илан муҳолиф бўлубдурлар. Ўшал вақтда *мингбошилик* мансаби Шодмон Хўжа *ўроқда* экан. Мулло Олимқулининг ва Бек-Муҳаммад *ҳудайчининг* иғво ва иттифоқи илан Маллахонни ўлдурганда бирлашганлардин Хидир қирғиз ва Ирисали қипчоқ ва Худойназар туркни дарё лабида ўлдурубдурлар. Қипчоқ кўшуни Тошканд устиға келганда Хўқандға Олимбек қирғизни ноиб қўйуб келган эканлар. Шул жойдин Чўтан ном қирғизни юбориб, они ҳам қатл қилдирубдурлар. Бу одам ҳам Маллахонни ўлдурганларни бири экан. Шул тарика ноиттифоқлик илан бир-бирларини ўлдурганлигини Худоёрхон эшитиб, муни фатҳ асари деб, Тошканд кўшунини ўзиға ҳамроҳ айлаб, Хўқанднинг фатҳиға азимат айлабдур.

Вақтики, қипчоқ кўшуни Тошканд устидин жўнаб, Хўқанд тарафига равона бўлганда ўзаро иттифоқлари бузулуб, Сирдарё лабида тўхтаб, қипчоқ, қирғизларнинг калоншавандаларидин бир

нечаларини қатл қилганлик хабари Худоёрхонга етган вақтда бу хурсандлик хабарни фатху нусрат аломати дебдур. Дарҳол Тошканд ва атроф-жониблардин қўшун жамълаб, Хўқанд тарафиға азимат айлаб, Тўйтепа, Кировчидин ўтуб, Хўжанд рўбарўсиға қўнибдур. Амири Бухоро ҳам ўшал вақтда Хўжанд шаҳриға дохил бўлган эканлар.

Худоёрхон бир неча нафар саркардалари илан Хўжанд дарёсидин ўтуб, эртаси Хўқанд тарафиға юриш қилиб, ҳеч ваҳму ҳарос қилмасдин Хўқанднинг Урганжи дарвозасидин²⁴⁴⁴ аскарлари илан тўғри Хўқанд шаҳриға дохил бўлубдур. Бу даҳшатлик воқеани эшитиб Шодмонхўжа *мингбоши* бошлуқ кипчоқлар бирдан Қатағон дарвозасидин чиқиб, қочиб кетибдурлар. Шул вақтда кипчоқлар хон кўтариб олиб юрган Шоҳмуродхонни ушлаб, Худоёрхонға манзур қилибдурлар. Хон бародарлик ва хешлик шафқати илан Шоҳмуродхонга марҳамат қилиб, ўз олдидан, хешу акраболари қаторидин ўрин берибдур.

Худоёрхоннинг бу дафъа Хўқанд шаҳриға дохил бўлуб, Фарғона тахтиға ўлтурганининг тарихи 1279/1862-63 ҳижрийда эрди. Вақтики, Худоёрхон Хўқандға дохил бўлгандин икки уч кун ўтгандин кейин хабар бўлибдурким, амири Бухоро Хўқанд тарафиға келмоқ маслаҳатидадур. Бу хабарни эшитиб, Хўқанднинг аркони давлат ва аъёни вилоятлари маслаҳатлашиб, Хўқанд дарвозаларини беркитиб, тўп, жазоирларни тўпхоналарға жойлаб, уруш ҳаракатида бўлганлик хабарини эшитиб, қайтиб, Бухоро тарафиға азимат қилибдурлар.

Андак вақт ўтгандин кейин Худоёрхон кўп ҳадя ва тортуғ илан узр баён айлаб, Қаноат *оталиқни* Бухоро шаҳриға амири Бухороға элчи қилиб юборибдур. Бир неча кундин кейин амири Бухоро амри илан Қаноат *оталиқнинг* Бухорода ўлдурулганлик хабари Худоёрхонга масмуъ бўлуб, хон Қаноат *оталиқнинг* вафотиға ниҳоятда мағмум [ғамгин] ва паришонҳол бўлуб, афсуслар қилибдур. Ушбу аснода хабар келибдурким, кипчоқ-қирғизлар йиғилишиб, Андижонға келиб, Андижон атрофини талон-торож қила бошладилар деб. Бу хабарни эшитиб Худоёрхон юз жамоасидин Дўст ном саркардани Андижонға ва Дўст-Мухаммад қорақалпоқни Балиқчиға ҳоким қилиб юбориб, Мулло Султон юз ва Холиқназар тожикни бир қанча аскар илан оларнинг кетидин ёрдам учун юборибдур. Булар бориб Андижон шаҳриға киргандин кейин кипчоқ ила оларнинг ораларида қаттиғ уруш бўлибдур. Бу уруш хабарини Худоёрхон эшитиб, аъёни вилоятлари маслаҳати илан қўшун жамълаб, Хўқанддин чиқиб, душман тарафиға юриш қилиб, Марғинон шаҳриға дохил бўлуб, бир неча кун Марғинонда тўхтаб, эртаси куни Яккатутға бориб, ондин жўнаб, Хўқандқишлоқға ва андин ўтуб, Қубо қишлоғининг паст тарафидаги Шўр мавзейиға қўнуб, ўшал кеча ул жойда ором олибдур. Эртаси кипчоқ қўшунининг хон қўшуни тарафиға келган хабарини эшитиб, хон ҳам тўпларини аскарнинг олдиға солиб, кипчоқлар ҳам уч гуруҳ бўлуб, бир гуруҳ хоннинг тўпчиларига муқобил, бир гуруҳ худи хон турган сафға муқобил, бир гуруҳ илан Қурама қўшуниға ҳамла қилишибдур. Кипчоқлар Қурама қўшуниға ҳамла қилганда, Қурама қўшуни кипчоқлар ҳамласиға тоқат қилолмай, қочмоқға бошлаб, оларнинг ёнида саф бойлаб турган Ёрмозор қўшуни ҳам Қурама қўшуни илан биргалашиб қоча бошлабдур. Аммо Худоёрхон муқобилида кипчоқлар эртадин кечгача бир-бирлари илан ниҳоятда қаттиғ уруш қилиб, ҳар икки тарафдин ниҳоятда кўп одам нобуд бўлуб, охири кипчоқ қўшуни тўп-тўфанг ўқиға тоқат қилолмай қочмоқға бошлабдур. Хон аскарлари йўлда оларнинг кетидин қувлаб, йўлда қанчаларини ўлдуруб ва қанча асир олиб, то Ниёз баҳодир қишлоғигача оларни қувлаб борибдурлар. Хон лашкаргоҳиға қайтиб келиб, кўрса, аксар хон қўшуни қочиб кетибдур. Хон бу аҳволни кўруб, қўшундаги тамом аробаларни йиғиб, қўшун атрофиға чип қилиб, онинг атрофиға тўп ётқузуб, қўшуннинг атроф-жонибини хўп эҳтиёт қилдуруб, урушга омода бўлуб турубдур. Аммо уруш хабарини Андижонда Худоёрхон томонидин ҳоким бўлиб турган Дўст номли юз хоннинг баъзи қўшунлари қочган хабарини эшитиб, беномуслик ва номардлик айлаб, ўзини кипчоқлар тарафиға олибдур. Лекин Мулло Султон ва Холиқ Назар тожик хонни нон-тузини риоя қилиб, ўз қўшунлари илан кипчоқ қўшунини ёриб ўтуб, хонга келиб қўшулмак бўлганда, кипчоқ қўшуни оларнинг йўлини тўсиб, уруш қилиб, Мулло Султон ҳазор машаққатида ўз йигитлари илан кипчоқлардин халос бўлуб, хонга келиб қўшилибдур. Аммо Холиқ Назар тожик йўл адашиб, кипчоқларнинг орасиға кириб қолиб, кипчоқлар они ўртаға олса ҳам, ул баҳодирлик айлаб, ғайрат кўрсатиб, бир нечаларини найза ва қилич ила нобуд қилиб, охири олар кўплашиб, Холиқ Назар баҳодирни шаҳид қилибдурлар. Охир ул-амр кипчоқлар ҳар куни хонни чип қилган жойининг атрофиға келиб, ҳар тарафдин шовқун-сурон солиб, олисдин от қўйушуб, лекин тўп ва милтиқнинг ваҳмидин ва зарбидин чипга яқин келолмас экан. Шул тариқа илан икки ой хон чип ичида туруб йигит ва аскарларини чипдин чиқиб урушамиз деб талаб қилса ҳам хон ҳеч бир маслаҳат

²⁴⁴⁴ Шаҳарнинг шимолида жойлашган дарвоза. Ундан Урганжий қишлоғига, Урганжий боғ маҳалласидан борилар эди.

ва ижозат бермабдур. Андижон ва Шаҳрихон ҳам қипчоқлар тасарруфиға кирмай хонга тобеъ одамлар қўлида бўлуб, қипчоқлар ул шаҳарларни атрофиға келганда мазкур шаҳарларда турган илғор сипоҳлар оларни уруб қайтариб турар эди. Хон ўз аскарлари илан тор чип ичида туруб ҳайвонот ахлати ва аскар уфунати илан чип ичи ниҳояти бадбўй ва ифлос бўлган важҳдин чипнинг Қубо тарафидин очиб, икки юз қадам кенгайтуруб, яна шул тарика тадбир ила даража ва бадаража чипни суриб, Қабо шаҳриға дохил бўлуб, онда бир-икки кун туруб, ондин Яккатут [мавзеи]ға келибдурлар. Қипчоқлар муни фаҳмлаб иш қўлдин кетди деб бор қувватлари илан Яккатутни айлантуруб қамаб олиб, лекин тўп-тўфанг оташидин қўрқуб, яқин келолмас экан. Қипчоқлар нима қилларини билмай гоҳ Марғинонға от қўйуб уруш қилиб, гоҳ Яккатутға хон қўшунига рўбарў бўлуб, ҳеч илож қилолмай, бу миёнада бир ой ўтибдур. Хўқанд фуқаролари бу хабарни эшитиб, масжиди Жомеъға жамъ бўлуб, бир-бирлари илан маслаҳатлашибдур: «Хонимиз Худоёрхон Яккатут мавзейида кўп вақтдин буён қипчоқлар ила уруш қилиб турган бўлса, бизлар ўз уйимизда тинч ва хотиржамъ ўлтурмоғимиз инсоф ва мурувватдин эмас, ҳаммамиз қоракалтак бўлуб, хоннинг мадад ва ионатиға борамиз». Маслаҳатни шул тарика қарор бериб, шул жойдин Ҳазрат Калон Соҳибзода хизмати шарафлариға одам юбориб, масжиди Жомеъға олдуруб, оломон ва фуқаролар Ҳазрати Соҳибга беодобона иборалар илан Яккатутға, хоннинг олдиға бормоқға тарғиб қилибдурлар. Ҳазрат Калон Соҳибзода олардин муҳлат тилаб айтибдурларким, уйга бориб, сафар асбобини тайёрлаб, ондин кейин борайлук десалар ҳам, бебош оломон фуқаро ул жанобнинг ихтиёриға қўймай хоҳ-нохоҳ шул жойдин тўғри Марғинон тарафиға бош қилиб олиб, жўнаб, Марғинонға бориб, Тошлоқ мавзейиға қўнубдур. Ўшал вақтда Андижондин қипчоқлар орасидин қочиб ўтуб келган Мулло Султон юзни Марғинонда турган саркардалар би-л-иттифоқ Хўқанддин борган, оломон фуқароларға сардор ва бошлиқ қилибдурлар. Мулло Султон оломон ва фуқароларға насиҳат ва маслаҳат кўрсатиб, Ҳазрат Калон Соҳибга қилган беодобликларини огоҳлантуруб айтибдурким: «Алҳол, душман ила бизларнинг орамиз бир тошдин узоқ эмас, душман устидин зафар қозонмоқ аҳлуллоҳнинг дуоси илан бўладур. Ҳазрат Калонни ўзингиз билан олиб юрмоқ одобдин эмас. Сизлар илгари юрунг, ҳазрат сизларнинг кетингиздан юрсунлар». Оларға бу сўзни маъқул қилиб, бу хусусда Мулло Султон Ҳазрат Калон Соҳиб ҳузурлариға манзур бўлуб, арзи аҳвол айлаб, дуоларини олиб, таскини хотир қилибдур. Андин кейин оломон фуқароларнинг отлиқлари илан Худойназар *амин*²⁴⁴⁵ ном илан илгари ва пиёдалар кейин юриб, Якка тутга яқинлашганда ногоҳ уч-тўрт тўп қипчоқ қўшуни пайдо бўлуб, оларға ҳамла қилганда Худойназар *амин* тўп илан қочиб, Яккатутға кириб, кутутубдур. Аммо кетидин келадурган пиёда қоракалтакларни қипчоқлар бир четидин уруб, ўлдуруб, бойлаб, асир қилиб, қолган бир тўп пиёда бир қўрғончага кириб, эшикни беркитиб паноҳ тортган экан. Қипчоқлар ғарам қилиб қўйган буғдойни, боғни ёндириб, қўрғончаға ота бошлабдур. Оломоннинг қанчаси қўрғончада куйуб, ўлиб, қочиб, халос бўлғони қипчоқлар қўлиға тушиб, қатл қилинибдур. Мулло Султон қипчоқларга еткурмасдин қочиб, Марғинонға дохил бўлиб, Ҳазрат Калон Соҳиб хизматлариға келиб, бўлган ҳодисаларни баён қилибдур.

Ҳар кун қипчоқ-қирғизлар икки гуруҳ бўлиб, бир гуруҳ Худоёрхон қўшуниға бориб, уруш қилиб, ва бир гуруҳ Марғилон устиға келиб, шаҳарни Маъоз жабал тарафидин ҳужум қилмоқда эди. Хон аскариға ҳужум қилган гуруҳ, олар тарафидан отилган тўп-тўфанг оташиға тоқат қилолмай, шикаст топиб қайтар эди. Шаҳарга ҳужум қилгувчи қипчоқ-қирғизларга муқобил шаҳар ичидаги саркардалардин, Мирзо Аҳмад *қўшбеги* ва Муҳаммад- Назарбек ва Мулло Султонлар бош бўлиб, Маоз Жабал даштида қипчоқларнинг садди роҳини тўсиб, ҳар кун уруш қилиб қайтармоқда эдилар. Бир кун Марғилоннинг Маоз Жабал даштида қаттиғ уруш бўлган аснода уруш маъракасида юз тоифасидин бўлган мазкур Мулло Султонга ўқ тегиб, шаҳид бўлиб онинг жасадини уруш маъракасидин қипчоқларга бош бўлиб турган Мулло Олимқул олдуруб, онинг баҳодирлигини ёдга олиб, вафотиға афсуслар қилиб, такфин, таҳжиз қилдириб, жамияти тамом илан жаноза ўқуб Маоз Жабал қабристонига дафн қилдурди. Қипчоқлар баъзи вақт хон қўшуниға ва баъзи вақт Марғилонга ҳужум айлаб, ҳар икки тарафдин муддао ҳосил қилолмай, ўлуб, қирилиб қайтмоқда эди. Охир ул-амр, қипчоқлар ва қирғизлар маслаҳат қилишибдурки: «Ҳар шаҳарга борсак калтак еб қайтадурмиз, маслаҳат шулким, хон авлодларидин бир одамни топиб, хон кўтариб, Фарғона пойтахти бўлган Хўқанддин мусаххар қилиб, ондин кейин бошқа тадорук қилайлук». Муҳаммадалихон хизматкорлари авлодидин бир нотайин одамни «хонзода» деб ўзлариға хон кўтариб, барча қипчоқ- қирғизлар онга байъат қилиб, ҳаммалари баиттифоқ қирғиз-қипчоқ, Андижон ва Шаҳрихон сартиялари ўшал атроф-жонибдаги икки дарёнинг миёнасидаги халқлардин беҳад ва беадад қўшун жамълаб, кечани аввалидин йўл юриб, эрта билан Хўқанд шаҳри дарвозасинг яқиниға етиб қўнибдурлар. Қипчоқ

²⁴⁴⁵ Амин – диний амалдор, бозор ва расталардаги қоида-тартибларни назорат қилувчи шахс.

қўшунининг келиб тушганлигини фаҳмлаган шаҳар халқи ҳайратда қолишиб, бир-бирлари илан сўзлашибдурларким, шунча асъасаю дабдаба, тўпу-тўфанг, аскар, сарбоз, тўпчи ва аслаҳа илан хон нечун беному нишон бўлуб, қипчоқлар бу ерга келди деб. Яна оқил одамлар ўйлаб, фикр қилибдурларким, магар ғаддор ва фирибгарлар хонни Яккатутда қолдуруб, мунда келганмикунлар деб.

Аксар шаҳар халқи шул тарика мулоҳазаларда бўлуб турган ҳолда, қипчоқлар шаҳарга одам киргузуб, айтибдурларким, шаҳардаги аъёни вилоятлардин *қозикалон* бошлуқ бизларни чиқиб кўрсунлар, агар зўрлаб шаҳарга кирсак, сизларнинг бошларингизга қандай кун солиб, нима муомала қилларимизни ўзларимиз билурмиз. Худоёрхондин умид узингларким, у йўқ ва нобуд қилиб, онинг қўшунларини ўзларимиз ила олиб келгандурмиз, ҳаммамиз бир иттифоқдадурмиз дебдурлар. Шаҳар халқи бу хабарни эшитиб, муқом ҳайратда қолишиб, ҳамма боиттифоқ батариқи мавосо ва мадора деб оларни Хўқанд шаҳрига киргизибдурлар. Қирғиз-қипчоқ қўшуни шаҳарга дохил бўлгандин кейин ҳарчанд қарасалар хон қўшуни афродидин ҳеч ким кўринмабдур. Ҳазрат Сулоймонхўжа эшон *шайх ул-ислом* ҳам кўрибдурларким, қипчоқ-қирғизлар хон қўшунларини орқаларида қолдуриб, ҳийла-тадбир илан келганга ўхшайдур. Бинобар маслаҳат, бир одами муътамадларини махфий суратда Худоёрхон хизматиға юборибдурлар. Бу одам Марғилонга бориб, Мирзо Аҳмад *қўшбеги*га учраб, они хонга манзур қилганда Худоёрхон ушбу ҳодисани фаҳмлаб, хотиржамълик илан атроф-жониб қўшунларини жамълаб, Яккатутдин кўчуб, Марғилонга кириб, Марғилонда қамалиб ётган саркардаларни кўруб, оларга дилдорлик бериб, Марғилонда бир кеча ётиб, саркарда ва аскарлар илан Марғилондин чиқиб, Палосонга келиб кўнуб, анда ҳам бир кеча истиқомат айлаб, шул жойда ҳамма саркарда ва *понсодбоши* ва аъёни қўшун ва оқсоқоли вилоятларни жамълаб, оларга дилдорлик бериб, Худоёрхон оларга қараб айтибдурким: «Манум учун сизлар кўп жафо ва машаққатлар тортдингиз агар мандин сизга малоли хотир ва озор етиб, бу хусусда кўнгулларингизда гина ва ғубор бўлса, салтанат ва ҳукумат юзасидин бўлгандур, маъзур тутарсиз. Ва агар манум афъол ва атворим ва хукмронлигимда ҳукумат ва салтанатга мувофиқ иш қилмай, сизларга маломат бўладургон бўлса, сизлардин умид ва илтимос шулдурким, мани ўз йўлимға қўйуб, мандин қўл тортингизлар. Ва ман хоҳлаган тарафға бошимни олиб, азимат қилиб кетсам ва агар қипчоқ-қирғизларга тил ва сўз бериб сизлар онга тобеъ бўлмоқ учун мани оларга ушлаб, асир қилиб бермоқ бўлсангизлар икки дунёда бадномлик ва шармисорликларингиз оламға машҳур бўлса керак». Нутқ сўзлаганда бу сўзни эшитган аъёни вилоят ва аркони давлат ҳаммалари муттафиқ ул-калима айтибдурларким: «Эй хони саодатнишон, бу мулоҳазаларни мутлоқ хотурингизга келтурманг, сизнинг қадамингиз қайси жойда бўлса, бизларнинг бошимиз ўша ерда, ҳар вақт сизнинг амрингизда ҳозир ва фармонбардордурмиз, хотиржамълик илан душман тарафиға юруш қилинг, ҳаммамиз бу хусусда ўлумни бўйнузимизға олганмиз, ё ўлармиз, ё олармиз». Ҳамма баиттифоқ қайтадин аҳд ва қасам илан хонга байъат айлабдурлар. Бу воқеа вуқуъга келгандин кейин Худоёрхонга хотиржамълик ҳосил бўлуб, ул жойдин кўчуб, тезлик илан Хўқанд тарафиға равона бўлуб, Оқер мавзейиға келиб кўнуб, эртаси Янгиқишлоқға етиб тушуб, бирдан ҳамма тўпларға ўт берибдурлар. Хўқанд фуқаролари тўп овозини эшитиб, мақоми ҳайратға тушуб, нима сабабдин шаҳар ташқарисидин тўп овози келадур. Магар Худоёрхон келганмуқун деб жосус юбориб, хабар олдуруб, келганлигини билибдурлар. Хон ҳам шаҳар ичига тилчи ва жосус юбориб, Хўқанд фуқароларини огоҳлантуруб, маълум қилибдурким, сизлар шаҳар ичидин қоракалтак бўлуб, қипчоқларга хужум қилиб дарвозани очинглар. Бизлар ташқаридан хужум қилиб, қирғиз-қипчоқларни ўртадан кўтарайлуқ деб маслаҳатлашуб, бир-бирлари илан маслаҳатни бир жойға қўйушиб, эртаси Хўқанд шаҳридаги фуқаро оламон қоракалтак бўлуб, шаҳар кўчаларида ғавғо қилиб, ташқаридин Худоёрхон қўшуни ҳам дарвозаға келиб, шаҳарга хужум қилмоқ бўлгандин қипчоқлар огоҳ бўлуб, хон қўшуни илан уруш қилмакни баҳона қилиб, шаҳардин ташқари қочиб чиқибдурлар. Худоёрхон вақтни ғанимат билиб, дарҳол ўз аскарлари илан Хўқанд шаҳриға дохил бўлибдур. Ўшал вақтларда қипчоқларга *мингбоши* бўлуб турган тошкандлик Шодмонхўжа ҳам қипчоқлар илан биргалашиб қочиб кетибдур. Эртаси қипчоқлар Сомончи қипчоқ мавзейиға кўнуб, Рошидон ва Оқ ер фуқаролари оларнинг йўлини тўсмоқ бўлган экан, олардин баъзиларни ўлдуруб, ва баъзиларини асирга олиб ва баъзилари қочиб қутилибдурлар. Ондин ўтуб қипчоқ қушуни Палосонга кўнуб, андин учунчи куни Марғилон устиға борибдур.

Марғилон фуқаролари батариқи мавосо ва мадоро оларға тортуғ олиб чиқиб, кўруб, Марғилон ҳокими Мирзо Аҳмад *қўшбеги* озгина одами илан қочиб Хўқандға келиб, бўлгон ҳодисотни хонга арз қилибдур. Қипчоқлар Марғилонни олгандин кейин янадин Хўқанд тарафиға азимат айлаб, Саритолға келиб тушубдур. Ўшал вақтда амири Бухоро Самарқандға келиб, Худоёрхонга мадад ва ионат еткурмак бўлуб, Ёрбек ном саркардани бош қилиб Ўратепа, Нов ва Қўштегирмон ва Хўқанд

қўшунларини буюрибдур. Бу қўшинлар тезлик илан келиб, Хўжанд шаҳрига дохил бўлганда амирдин келган саркардаларнинг ҳаммасини ҳар қаю дарвозага тайинлабдур. Қипчоқлар Хўқанднинг Сари тол тарафидин келиб, Курбон мерган мавзейида уруш бошлаб, Хўқанд сипоҳлари ҳар кун шаҳардин ташқари чиқиб, олар илан урушуб, икки орада кўп хунрезликлар бўлуб эди. Буларни ҳар кун бир-бирлари илан баҳодирона уруш қилганларини Бухоро тарафидин келган юзия ва манғития қўшунлари кўруб, бир-бирлари илан гуфтугў қилишиб, айтушар эканлар, агар амири Бухоро келиб сизлар нима учун уруш қилдинглар деб сўрасалар нима жавоб берурмиз деб маслаҳатлашиб, ҳамма Бухоро қўшунининг саркардалари Худоёрхонга кириб арз қилибдурким, бугун урушни бизларни номимизга тайин қилсангиз дебдурлар. Хон жавоб берибдурким, сизлар шаҳар ичида бизга меҳмон ва ионатчи қаторида бўлуб турганларингиз бизга зўр ёрдамдур деб. Ҳарчанд хон оларни манъ қилса ҳам, бизлар урушмай турсак амир бизлардин малоли хотир бўлсалар керак, деб хондин ижозат олиб манғития ва юзия аскарлари шаҳардин чиқиб, қипчоқлар рўбарўсида саф бойлаб, урушга тайёр ва омода бўлуб турубдурлар. Ул тарафдин қипчоқлар ҳам саф тортишуб уруш бошлабдур. Бухоро қўшунининг орқасида олар урушга машғул бўлуб турганда ёрдам ва кўмак учун Хўқанд қўшуни ҳозиру нозир бўлуб турубдур, мободо қипчоқлар манғитларга ғалаба қилса ионат еткурармиз деб. Шул вақтда қипчоқлар бирдан манғит гуруҳлариға ҳамла қилиб, қаттиқ уруш ва хунрезлик бўлуб, жамоаи манғитиялар қипчоқларнинг қаттиғ ҳамласиға тобу тоқат қилолмай, қочмоққа ихтиёр қилмоқ бўлганда, Хўқанд қўшуни бирдан қипчоқларга ҳамла айлаб, буларнинг тўпларининг оташиға ва қаттиғ ҳамласиға қипчоқлар дош беролмай, икки соат урушгандин кейин қипчоқларни то қўшхоналариғача қувлаб бориб қайтибдур.

Қипчоқларга хабар етибдурким, амири Бухоро Хўқанд шаҳриға келадурлар. Амирнинг йўлини тўсмоқ учун Гулмингбой ном саркардани қўшун илан юборибдур. Амирга Конибодомда рўбарў бўлуб, Гулмингбой уруш қилолмай, даҳшат тортиб қочибдур. Амирнинг келган хабарини эшитган қипчоқлар хавфга тушуб маслаҳатлашибдурларким, амир Хўқандға келиб киргунча шул жойда тавакқуф қилиб турамыз, амир келгандин кейин замонни аҳволиға қараб кўчармиз деб. Амир ҳам эртаси куни кетидин жўнаб олар кўчуб кетмаган жойға амир кўнуб, қипчоқларни қувалай бошлаб, амири Бухоро ўзларидин илгари Андижонга қошғарлик Хўжа Калонни ҳоким қилиб юборибдурлар.

Амири Бухоро оларниг кетидин қувалаб, қипчоқлар икки тош масофа илгари юруб, амири Бухоро қўшуни оларнинг кетидан қувалаган бўйнича Қорағулчагача бориб, қипчоқлар Қорағулча ичиға кириб, Қорағулча даҳанасиғача қўшун кўнубдур. Амир Ўзгандға бориб, Ўзгандни талон-торож қилдириб, ондин юрмоқға илож бўлмабдур. Чунки Қорағулча оғзи тор ва ёлғиз оёқ йўли бўлган важҳдин ул тарафға қўшун кирмоқға ҳеч имкон йўқ экан. Амир Ўзгандда уч-тўрт кун туруб, ноиложлигидин қипчоқларга элчи юбориб, ширин ва мулойим сўзлар илан қанча ваъда ваъидлар қилиб, итоат қилмоқға таклиф айлаб, яна ваъда қилибдурким: «Агар қипчоқлар итоат қилиб, манум хузурумға келгундек бўлсалар, Фарғона хонзодаларидин кимни хоҳласа оларға хон қилиб кетадурман». Қипчоқлар борган элчини эъзоз-икром илан қабул қилиб, амир номларини кўзга суртуб, шул тариқа жавоб берибдурларки: «Ҳазрат амир шул даража баланд кадрликлари илан биздек саҳронишин намадпўш, дуғнуш, жондин тўйганларнинг кетидин овора бўлушлари ўзларининг кадр манзилотлариға муносиб эмас, аввало, сиздек улуғ даражалик зотни маҳрамда ва ё Хўқандда кўруб, узримизни баён қилмақ бизлардин лозим эди, вақтини ўткуздик, эмди ғзаб ва сиёсатингиз жўш уриб турганда бормоқға андишадамиз. Сиздин умид ва илтимосимиз шулким, бул ердин иззати тамом илан қайтиб, бизларнинг қаттиқ душманимиз бўлмиш Худоёрхонни ўзлари илан биргалаштириб олиб кетиб, онинг ўрниға бошқа одамни қўйсалар. Бизлар аҳволимизға лойиқ тортуғ ва пешкашларимиз илан кетларидин боруб, Марғилон ё Хўқандда остон бўслариға манзур бўлсак». Элчини эъзоз-икром илан қайтарибдурлар. Ўшал вақтда қўшуннинг озук-овқат тўғрисидин аҳволи танг бўлуб, тоғу-тош орасида турмоқға бетоқат бўлганлик важҳидин қўшуннинг қайтмоғиға амр бериб, Қорасувга келиб кўнганда, қипчоқлар амир қўшуни кўчган Ўзгандға келиб кўнибдурлар. Амир Қорасувдин кўчуб қайси жойға кўнса, эртаси қипчоқлар амир қўшуни кўчган жойға кўнар эди. Хулосаи калом, амирнинг кетидин қипчоқлар келадиганини билиб, амир тезлик илан Хўқандға дохил бўлибдур. Қипчоқ-қирғизлар амирнинг тезлик илан жўнаб кетганини фаҳмлаб, олар ҳам Марғилонга келиб кириб, шул жойдин тошкандлик Шодмон хўжа *мингбошини* қипчоқлар Тошкандға ҳоким қилиб юборибдур. Ул ҳам суръат илан йўл йуруб, Тошкандға келиб, Тошканд ва атроф-жониб ҳукуматини таҳти тасарруфиға олибдур. Амири Бухоро қипчоқларни мусаххар қилолмай қайтиб, яна онинг узасиға Худоёрхонни ўзи илан бирга Бухороға олиб кетмоқ бўлгани Хўқанд аҳолилариға душвор ва оғир келганини фаҳмлаб, бир навъи қилиб, фуқароларни машғул айлаб, Тўрақўрғон қипчоқлари илан урушамиз деб Хўқанднинг Қипчоқ дарвозасидин чиқиб, дарвозадин ташқариға кўнуб, ваҳима ғолиб

бўлуб, бесаранжомлик илан кечаси кўчуб, Худоёрхонни олиб Бухоро тарафиға азимат айлабдурлар. Амир Худоёрхонни олиб кетганига ушбу таърих бўлибдур:

Бигў ту тарихи шоҳи Бухоро, рафтани ў,
Зи баҳри бурдани хон дон «ривожи манғит рафт».

[Сен ва шоҳ унинг Бухороға кетгани ҳақида *тарих* айт,

Хоннинг олиб кетилишини «манғитнинг ривожи кетди» деб бил].

Лафзи «манғит»дин «ривож»ни исқот қилинганда 1280/1863 *тъарих* ҳосил бўладур.

Вақтики, амири Бухоро Хўқанддин жўнаб, Бешариқ мавзейида²⁴⁴⁶ кўнуб, Шоҳмуродхонни ўшал жойдин Хўқандға қайтариб юборибдурким, Хўқанд аҳолилари ўзлариға хон қилсунлар деб. Хўқанд аёни вилоятлари ўйлабдурларким, амири Бухоро мамлакатларини саранжом қилмақ уҳдасидин чиқолмай, қипчоқ-қирғиз иғволарини босолмай, охири бизларга иғво ва бесаранжомлик солмоқ бўлибдур. Шоҳмуродхон аларнинг маслаҳатини истихсон айлаб, қипчоқ тарафиға азимат қилибдур. Ўшал вақтда қипчоқларнинг бошлуғи Мулло Олимқули қирғиз²⁴⁴⁷ эди. Шоҳмуродхон борган замон онинг ёшлик ва бегуноҳлигиға раҳму шафқат қилмай ўлдуруб, Маллахоннинг ўғли Саййидхонни хон кўтариб, Хўқанд тарафиға азимат қилиб, икки кун миёнасида Хўқандға дохил бўлуб, Мулло Олим/Алиқулини қайтадин амири лашкар қилиб, тамоми Фарғона мамлакатининг инон-ихтиёри онинг дасти тасарруфиға топширулди. Мулло Олимқули мамлакатдорлик илмидин хабардор бўлмай фуқаролар ва умароларға шафқатдин кўра сиёсати ёлиб бўлуб, доимо оқил ва мудаббирларнинг муҳолифиға иш қилиб, андак жарима учун қаттиқ сиёсат айлаб, иш кўрган соҳиби маслаҳатларни маъзул ва бекор айлаб, паст ва нодонларға баланд мансаб бериб «халақа-л-инсана мин тафавут» (инсонни фарқли қилиб яратди) инсоннинг ҳақиға нозил бўлганини мутлақо хотирдин маҳв ва фаромуш айлаган эди. Шул тариқа илан низоми мамлакат нест ва нобуд бўлиб турган ҳолда эшитилибдурки, Русия кўшуни Дашти Қипчоқни тамоми истило айлаб, Туркистонга мутаважжих [юзланиб равона] бўлди деб. Бу хабарни эшитиб, Мулло Олимқули кўшун жамълаб, Тошкандға келиб, онинг тарафидин Тошкандға ҳоким бўлиб турган Шодмон Хўжани *ўрда* ичида халқдин махфий ўлдуруб, жасадини *ўрда* ичида дафн қилдуруб, онинг ўрниға зодиёнлик Нор-Муҳаммад *додхоҳ*ни васий айлаб, Туркистоға Мирзо Давлат тожикни ҳоким қилиб, ўзи Хўқандға қайтиб кетибдур. Вақтики, Мулло Олимқули амири лашкар Тошкандға Нор-Муҳаммад *қўшбегини* ва Туркистон шаҳриға Мирзо Давлат тожикни ҳоким қилиб кетгандин кейин Мирзо Давлат кибр ва ғурур илан сарҳадда қараб ва пойлаб турган улуғ Русия давлатини кўзга илмай ва атрофидаги қозоқияларнинг ғариб ва бечоралик ва давлатхоҳликларини андиша ва мулоҳаза қилмай, беш кунлик ҳукуматга мағрур бўлуб, бир неча қароқчиларни Туркистонға йиғиб, элатияларни талон-торож ва бетинч қила бошлабдур. Мирзо Давлатнинг бул тариқа ёмон феъли ва зулмидин элатия халқи ва бийлари танг бўлуб қочар ва ноиложликдин онинг итоатидин чиқиб, Русия ҳукуматиға тобеъ бўлмақни ихтиёр қилибдур. Би-л-охир ул золимнинг зулми ва шарри [ёмонлиги] касофатидин мажмуи элатия ва узбақия ва Туркистон атрофидаги қозоқиялар Русияларға бориб айтибдурларким, алҳол Туркистон шаҳри ичидаги халқдин бошқа ҳамма тавобиотлари Русияларнинг тахти тасарруфиға киргандур. Моварауннаҳр хонлари, чунончи, Бухоро ва Хўқанд хонлари орасида адоват ва хусумат пайдо бўлуб, амири Бухоро Фарғона мамлакатини тахти тасарруфиға олмоқ муддаосидадур. Агар Бухоро ва Фарғона бир мамлакат бўлуб қолса бўлуб қолса, ул ҳолда Бухоро маҳкуми икки пойтахтни ихота қилиб, то Тибет, Қандаҳор тоғларидин тортиб, лашкар жамъ қилгудек бўлса, иш оғир бўладур. Алҳол оларнинг ораларида низо ва беиттифоқлик пайдо бўлуб турган ҳолда ишни тезлик ва осонлик илан саранжом қиладурмиз, хусусан Сирдарёнинг кема ўтадургон жойлари Русия кўлиға кирган вақтда икки мамлакат, яъни Бухоро ва Хўқанд ва Тошканд ораси банд бўлуб, Моварауннаҳр мамлақати осонлик илан кўлга кирадур деган элатия улуғларининг кўрсатган машварат ва маслаҳати илан русиялар Жўлакдин Туркистон тарафиға жўнаган хабарини эшитган замон Мирзо Давлат Туркистонни ташлаб, Тошкандға қочиб келибдур. Ўшал йили русиялар бу тарафдин, Туркистоннинг шарқ тарафидин Авлиё отани уруш талашсиз осонлик илан тарихи хижрийнинг 1280 йилида 1864 милодийда тахти тасарруфлариға олибдур. Ҳазрат Султон ва Авлиёотани русиялар олган хабарини Тошканд волийси Нор-Муҳаммад *додхоҳ* эшитиб, дарҳол Хўқандға одам илан мактуб юбориб, Мулло Олимқулиға маълум айлабдур.

²⁴⁴⁶ Фарғона вилоятида қишлоқ ва туман маркази.

²⁴⁴⁷ Аслида бу шахс Мулло Алиқули номи билан манбаларда тилга олинади. Султон Саидхон давридаги амирлашкар Олимқули ўрнида худи шу Алиқулини назарда тутмоқ керак.

Бу даҳшатли хабарни эшитган Мулло Олимқули беҳад ва бениҳоя қўшун жамълаб, бесаранжомлик илан Тошканд тарафиға азимат айлаб, андак фурсатда Тошкандға келиб, Мингўрик мавзейиға қўнуб хабар эшитибдурким, русиялар Авлиё ота ва Туркистондин жўнаб Чимканд шаҳриға келмоқға қасд қиладур деб. Мулло Олимқули дарҳол тезлик илан тамоми аскарларини ҳамроҳ айлаб, Чимканд шаҳриға борибдур, ул тарафдин русиялар Чимканд яқинида Оқ ариғ мавзейиға келиб қўнуб ётган экан, икки лашкар Оқ ариғ мавзейида муқобил бўлуб, урушуб, бу урушда Абдуллоҳ понсодбоши ва бир неча йигитлар шаҳид бўлубдурлар. Ул кун уруш бўлуб эртаси икки лашкар орқага қайтмоқ бўлганда русияларга Авлиё ота қўшунни келиб қўшулуб иноат еткуруб янадин русия аскарлари эски Чимканд мавзейиға яқинроқ келиб қўнибдур. Русияларнинг яқинлашганини кўруб Мулло Олимқули уруш тадбирларидин беҳабарона ҳамма лашкарларни пиёда айлаб, русияларға муқобил қилиб, ҳаммаларининг тийру тўфанларини русия қўшунниға рўбарў айлаб югиртурубдур. Ўқ етадургон масофаға яқинлашган вақтда русия аскарлари бирдан милтиқ ва тўплариға ўқ берганда рўбарў бўлган мусулмониялар баробар ерга йиқилибдур. Ўқ тегиб ўлгани ўлук ҳолатда, ажали етмай ўқ тегмагани ўлум ваҳми илан қўрқуб, ўликлар илан қўшулуб йиқилибдур. Бу ҳодисани кўруб Мулло Олимқули ўзининг иш билмас ва нодонлигига пушаймон қилиб, тирик қолганларни қайтмоқға амр қилиб, русиялар ҳам оларнинг ўликларини йиғиб олмоқға ижозат берибдур. Бу урушда Мингбой кўп одам талаф бўлибдур. Мусулмония аскарлари Чимкандга дохил бўлгандин кейин русиялар Чимканд яқиниға келиб, Чимкандға тўп ота бошлаб, шаҳар ичидин жомадор ва ҳинду тўпчилар тўп отиб жавоб бериб, ўшал куни кечаси билан яна ухламасдин шаҳарни муҳофаза қилибдурлар. Эртаси куни русиялар Чимкандни ташлаб, Туркистоға қайтиб кетибдур. Олар кетгандин кейин Мулло Олимқули бир неча кун Чимкандда туруб, қозоқиянинг энг улуғ ва эътиборлик одамларидин Бойзоқ *додхоҳ*ни тўпга бойлаб, отиб ўлдуруб, бир неча сартия ва элатия саркардаларини [ҳам] отиб ўлдуруб, ўзига ёмон ном олиб, душман устига душман кўпайтуруб, Чимкандга Мирзо Аҳмад *қўшбегини* ҳоким қилиб, Хўқанд ва Тошканддаги барча тўпларни бир неча саркардаларни онинг бирлан қўйуб, ўзи Тошканд тарафиға азимат айлаб, бир неча вақт Тошканд шаҳрида истиқомат айлаб, андин Хўқанд тарафиға жўнаб, бир неча кун ичида Хўқандға дохил бўлибдур.

Тарихи ҳижрийнинг 1281/1864-65 йилида Мулло Олимқули янгитдин қўшун жамълаб, қиш фаслининг аввалида Тошканд тарафиға азимат айлаб, Тошканд шаҳри жуворидаги Минг-ўрик мавзейиға қўнуб, қипчоқ-қирғизлар, курама, санжиқли ва сартия тоифаларидин кўп аскар йиғиб, бу бетартиб ва бенизом ва оламон қўшун илан Мулло Олимқули Тошканднинг Қорасарой дарвозасидин чиқиб, Сирдарё лаби илан юруб, бир неча кунда Туркистон шаҳри қишлоқларидин бўлган Иқон қишлоғиға етиб қўнубдур. Бу хабарни эшитиб, бир даста русия аскарлари Туркистон шаҳридин чиқиб, оларға муқобил бўлганда, Чимканд урушида очиқ ва яланг ерда қилгон муҳорабанинг натижасида мутаассир бўлгон Мулло Олимқули бу дафъа намадларга қора хашак ўраган қора буйрани олдиға чипдек паноҳ қилиб, уруш бошлаб, ҳар икки тарафдин қанча одам талаф бўлса ҳам, беҳад ва беҳисоб қўшун илан борган Мулло Олимқули Туркистондин чиқгон андаккина русия қўшунниға мудофаа қилолмай ва оларни ололмай, русиялар отишиб-отишиб, шунча кўп ададлик қўшунга ўзларини олдурмай, Туркистон шаҳриға кириб кетдилар. Мулло Олимқули қишнинг қаттиғ совуқлик вақтида фуқаролариға раҳму шафқат қилмай, Иқон қишлоғидаги фуқароларни кўчуруб, ўзи илан биргалаштуруб олуб, Тошканд шаҳриға қайтиб келди. Бу сафарда кўп одамлар қўл, оёқ, қулоқ ва бурунларини совуққа олдуруб келдилар. Мулло Олимқули бир неча кун Тошкандда туруб, Чимкандға русияларға муқобил барча тўп, тўпхона, аслаҳаларини тайёрлаб қўйуб, Мирзо Аҳмад *қўшбегини* Чимкандға ҳоким ва *сараскар* қилиб, ўзи қўшунлари илан Хўқандға жўнаб кетди. Бир неча кундин кейин Хўқандға хабар етишдиким, генерал Чернайуф бошлуқ русия аскарлари Чимканд шаҳрини олиб, андин Тошканд тарафиға қўшун тортиб келиб, бир неча кун Тошкандни муҳосара айлаб, бир неча русиялардин талаф бўлуб, Чимканд тарафиға қайтиб кетди. Русиялар янадин қўшун тортиб, Тошканд устиға келмоқ қасдидадур деб. Дарҳақиқат, русиялар Чимкандға хужум қилганда Хўқанд ва Тошканддин йиғиб олиб борган тўп, тўпхона ва кўп ададлик аскарға бош сардор бўлуб борган Мирзо Аҳмад *қўшбегини* русиялар илан бирор дақиқа уруш қилолмай, ҳамма асбоб аслаҳани Чимкандда русияларға ташлаб, ўзи бир от, бир қамчин илан Чимканддин танҳо қочиб чиқиб, андак одам илан Тошкандға келган эди. Бир неча кундин кейин Русия аскарлари Тошканд устиға келиб, дафъатан Хўқанд дарвозасидин хужум қила бошладилар. Ўшал вақтда Тошканд шаҳрининг тамоми атрофини айлантуруб, бино қилинган қалин ва баланд кўрғони ташқари атрофида ўр қазилган ва ўн икки дарвозаси бор эди. Чунончи, Хўқанд дарвоза, Кошғар дарвоза, Лабзак дарвоза, Тахтапул дарвоза, Қорасарой дарвоза, Сағбон дарвоза, Чиғатой дарвоза, Кўкча дарвоза, Самарқанд дарвоза, Камолон, Беш ёғоч, Қуймас дарвозаси экан. Бу дарвозалардин Хўқанд ва Қуймас дарвозалари

Тошканд ҳокими турадурғон ўрдаға яқин ва мутассил эди. Ўшал кунларда, яъни русиялар Тошкандға келганда Тошканд шаҳрида бирор дона тўп ҳам йўқ эди. Тошканддаги тамоми тўпларни Чимкандға русиялар муқобилиға қўйулуб, русиялар Чимкандни олганда русиялар қўлида қолган эди. Ўшал вақтда Тошкандға Қўш *додхоҳ* ҳоким эди. Русиялар Тошканд тарафиға келар хабарини эшитиб, Тошканд дегрезлариға буюруб, чўёндин икки дона қора тўп қуйдуруб Хўқанд дарвозаси тўпхонасиға, русиялар муқобилиға қўйулган эди. Русиялар отган тўпнинг ўқи ўшал икки дона тўпнинг бирига тегиб, тўпнинг оғзини бузуб кетиб, тошкандликлар бир ярим дона тўп илан русияларға жавоб бериб турдилар. Бу урушда русия солдатларидин бир неча нафар талаф бўлуб, мусулмониялардин Абдурасул *закотчи*ға тўпнинг ёрилган ўқ парчаси тегиб вафот бўлди. Икки тарафдин ортиқча талофат бўлмай, русиялар бу дафъа Тошканд йўлини ва кўрғонини имтиҳон қилиб, кетдилар. Бу ходисот хабари Хўқандға етганда, қипчоқ-қирғиз ва қорачопон саркардалари айтишибдурлар, вақтики, Мулло Олимқули жаҳолат ва нотажрибалик илан Чимканд шаҳрида қозоқияларнинг энг улуғ даражадаги бийларидин Бойзоқ *додхоҳ*ни ўлдурди, яъни тўпга қўйуб отдурди бу ишнинг оқибатидин тамоми Дашти Қипчоқ элатиялар адоват ва душманлик қилиб, русияларни олдиға бориб, оларға йўлбошчи ва ёрдамчи бўлуб, Чимкандни русиялар олмоғиға сабаб бўлди. Балки ўшал қозоқиялар русияларни Тошкандға ҳам олиб келсалар ажаб эмас. Ҳаммаси Мулло Олимқулини маъшум тажрибасизлиги ва худрайлигидин бўлди деб ҳаммалари Мулло Олимқулидин юз ўттурмоқ бўлуб, яна ўз ораларида андиша қилишибдурким, душман ғалаба қилиб тургон вақтда ноиттифоқлик, фитна ва иғтишош қилмак заволи давлатға ва мамлакатнинг харобиға сабаб бўлса керак деб иттифоқлашиб қўшун жамълаб, Тошканд тарафиға азимат айлаб, қолган қўшунни кетидин келмоқға амр қилди. Мулло Олимқули ўзи илан ёш хонзода Султон Саййидхонни биргалаштуруб ўз қўшунлари илан Тошканд шаҳриға яқин келганда Тошканд ҳокими Қўш *додхоҳ* ва Мирзо Аҳмад *қўшбеги* ва Дўсатбий ва Содик *тўра* ва Шерали Мирзо ном саркардалар истиқбол қилиб, Тошканд кўрғонидин ташқари Минг-ўрик мавзейиға тушурдилар. Икки кундин сўнгра кейин қолган саркардалар етушуб келди. Ўшал вақтда Чирчиқ дарёсининг суви тошган сабабдин баъзи қўшун ўтолмай ва бир неча тўпни Чирчиқ сувидин ўткузолмабдилар. Кейин келган саркардаларга таом тайёрлаб намакға машғул бўлуб тургон аснода карнай ва ноғора овози эшитилди. Саркардалар карнай ва ноғора сабабини сўраганда русиялар Тошканд устиға Шўртепа мавзейиға келиб қўнубдур, русияларнинг йўлини тўсмоқ учун *амири лашкар* Мулло Олимқули қўшун тайёрлаб отланмоқға амр қилди деб айтдилар.

Саркардалар харчанд қўшунимизнинг олди, орқаси йиғилиб келсун аскар ва тўпхоналаримизнинг аксари йўлда келадур, етушгани йўқ, душман ила урушмоқға шошмоқ даркор эмас, аскарни жамълаб, андин кейин урушмоқ керак десалар ҳам *амирлашкар* Мулло Олимқули сўзиға қулоқ солмай тезлик илан савора бўлуб, тўпларни сарбозларға судратиб, уруш майдониға, Шўртепага яқин Олчак мавзейиға қараб жўнаганини кўруб, ноилож онинг кетидин қолган қўшунлар ҳам отланиб, жўнаб Тошканддин тахминан ўн икки чақиримлик Олчак мавзейиға яқинлашганда кўрубдурким, русия қўшуни бир жойга жамъ бўлуб турубдур. Оларнинг муқобилиға Мулло Олимқули отлик мерганларни пиёда қилиб, тўпчи сарбозларни ёниға қўйуб, тўпларни рўбарў айлаб, икки тараф отишма бошлабдур. Ҳар икки тарафнинг тўп-тўфанг оташидин ва чангу ғубордин уруш маъракаси қоронғу бўлуб, бир-бирларини кўролмайдурғон даражаға етуб, бу урушда Мулло Олимқулни ўзи қўшунға бош бўлуб, гоҳ бул тараф, гоҳ ул тарафдаги аскарларнинг тепасига бориб кўнгил сўраб турғон аснода кўрибдурким, аксар қипчоқ-қирғизия саркардалари қўшунлари илан урушга аралашмай, Мулло Олимқулига кўриниш айлаб, олисдаги тепа устидин урушни наззора қилиб турубдурлар. Мулло Олимқули Юнусжон *шиғовул*²⁴⁴⁸ни юборуб айтибдурким: «Бу қандай аҳвол ва қандай вақт, хусумат ва адоватнинг вақти ва жойи эмас, уруш тамом бўлгандин кейин ҳар нима кўнгилларингизда бўлса муддаои табъ жойиға еткураман. Ҳаммамиз иттифоқлашиб обрў олайлук, бўлмаса, мулку мамлакат, давлат қўлидин кетадур». Бу сўзларни Юнусжон *шиғовул* еткурғон ҳолда оларнинг ичидин Пулод қирғиз ном дағал одам қаттиқ ва дурушт жавоб бериб, Юнусжонни қайтарди. Шул уруш асносида Мулло Олимқули савора ҳар қайси қўшун дастасида гоҳ тўпчилар ва гоҳ пиёда мерган ва отлуғ аскарлар олдиға бориб, ҳар қаюлариға ўзи амр бериб турган ҳолда биқинидин ўқ тегиб отдин йиқилди. Дарҳол уни от узасиға олиб, қўшуннинг назарига соғ одамдек кўрсатиб қўшунга дарҳол тўп ва тўпхоналар илан аскар Тошканд тарафиға қайтсун деб амр

²⁴⁴⁸ Шиғовул – элчилар ва чопарларни хон ҳузурига олиб киришга масъул амалдор. Шу шахс шиғовул бўлганида «Фарғона хирожи ва таноби, закот пуллари, аскариянинг қишлоқ ва ғаллоти, қишлоқ харажоти, саркору амлок таҳқиқи ва ҳисоби, аскария яроғу аслаҳа дафтари» унинг назоратида бўлган. Қаранг: Муҳаммадюнусжон шиғовул. Тарихи Алиқули амирлашкар. // Қўлёзма. Ўзб ФА Шарқшунослик институти хазинаси, №12136, 145-бет.

берилди. Уруш қилиб турган сарбозлар ва йигитлар ноилож тўпдин отиб-отиб, ҳамма тўпларни Мулло Олимқули илан Тошканд шаҳрига саломат киргизуб, шаҳар дарвозасини беркитдилар. Русия кўшуни оларнинг кетидин келиб, Тошкандга қараб бир неча тўп отиб, андин ўзи турғон чиплари, Шўртепа мавзейига қараб қайтдилар. Уруш вақтида олисдин наззора қилиб турғон кипчоқ- қирғиз кўшунлари шаҳарга кирмасдин Қўйлук йўли илан Чирчиқ лабиға бориб кўнуб, тўғри Хўқандга жўнаб кетдилар. Хонзода ва Мулло Олимқули илан андаккина кўшун Тошкандга дохил бўлуб, Мулло Олимқулини бир дўконга еткизиб қўйдилар. Мулло Олимқули ёру-дўстларини чақириб, васиятлар қилиб, жон ба Ҳаққ таслим қилди. Онинг жасадини ўшал кечаси уч-тўрттагина одам хазрат Шайхованд-Тахур қабристонига келтуруб, жаноза ўқуб дафн қилдилар. Бу воқеадан кейин Тошканд шаҳридаги ҳукуматдорлар хайрон ва саросима бўлуб, нима иш қилурларини билмай, мақоми хайратда қолдилар. Чунки, аксар саркардалар Тошкандни ташлаб Хўқанд тарафиға қочиб кетган, хонзода бўлса ёш гўдак эди. Ноиложлигидан амири Бухорога ионат еткурмак учун одам ва ариза юбордилар. Амири Бухоро буларга гўёки ёрдам ва ионат тариқасида Искандарбек номли саркардани беш-ўн узун чофон одам ила Тошкандга юборгандин бошқа фойдалари бўлмади. Лекин ёрдам бермак умидида Тошканд шаҳрида Хўқанд хони бўлуб турган хонзодани бир неча саркардалар илан Бухорога олдуруб кетмоқ бўлдилар. Муддаолари ёрдам бермак ўрниға Хўқандни тахти тасарруфиға олиб, ўзлариға тобеъ одамни хон қилмак эканлар.

Бу муддаони жойиға келтурмак учун тошкандликларга қанча ваъда ваъидлар айлаб, Фарғона ўлкасиға мустақил хон маснадида барқарор бўлуб турғон ёш хонзода Султон Саййидхонни бир неча улуғлар илан Бухорога олдуруб кетдилар. Мундин муддаолари Хўқанд мамлакатини хонсиз ҳолатида тахти тасарруфлариға олиб, ўзлариға тобеъ одамни хон қилиб қўймак эканлар. Чунончи, жаноб амири Бухоронинг Хўқандга қилган сафарлари ҳам бу муддаоға далолат қилган эди. Вақтики, Мулло Олимқули амири лашкар Тошканд урушида вафот қилиб, Хўқанд кўшуни, Хўқандга қочиб бориб, Хўқанд хонзодаларидин бир зотни хон кўтариб янадин Тошканд устиға кўшун жамълаб бормоқ тадорикида бўлуб, Хўқанднинг Ермасжид ном қишлоғиға чиқиб кўнуб, бир-икки кун туруб, Тошканд тарафиға азимат қилмак бўлганда учунчи куни эшитилибдурким, Бухоро амири кўп кўшун илан Хўқандга келибдурлар. Бу хабарни эшитиб, кипчоқлар Хўқанд шаҳриға қайтиб кириб, анда ҳам тобу тоқат қилиб туролмай, тўп-тўпхоналарини олиб, шаҳардин ташқари Муйи Муборакға, андин Дўрмончаға, андин Марғилон тарафиға жўнаб кетдилар. Амири Бухоро кипчоқларнинг Хўқанд шаҳрини холи қилиб ташлаб кетган хабарини эшитиб, суръати тамом илан юруб, Хўқандга дохил бўлуб, янадин Худоёрхонни хон қилиб кетди.

Шералихондин Саримсоқхон, Маллахон ва Худоёрхон ва Сўфибек ном тўрт фарзанд қолиб, булардин Худоёрхон ва Маллахон хонлик рутбасиға чиқиб, бошқалари Фарғонанинг катта шаҳарларида ҳоким бўлуб турган эдилар. Сўфибекдин уч фарзанд, Назирбек, Муродбек ва Гаффорбек қолган эди. Ҳар қаюларининг қиссалари дуру дароздир, ёзмоқға ўрун оз.

Хулосаи калом, русиялар Тошкандни муҳосара қилиб турган вақтда икки ҳамсоя мусулмония мамлакатларининг подшоҳлари русияларнинг тўп овози етадурғон яқин масофада мамлакатлариға истило қилиб келиб, уруш қилиб турғон ҳолда, анга аҳамият бермай, бир-бирлари илан уруш-талаш қилишиб, вилоятни барбод бердилар, яъни русиялар ҳимоятсиз қолган Тошканд шаҳрини бир неча кун қамаб, охири 1865 йилда 15 июнда субҳ вақтида Камолон дарвозасидин кириб фатҳ қилдилар. Русиялар Тошкандга кирганда бир-икки кун шаҳар ичида отиш-уруш бўлуб, ҳар икки тарафдин бир неча одам талаф бўлгон эди. Тошкандни олганда русиялардин ҳалок бўлгон одамларни Камолон дарвозасида Хўжа Аламбардор қабристони кўчасининг бир тарафида алоҳида қабристон қилиб қўйилубдур. Ҳар йили 15 июнда русия имомлари ва улуғлари ва кўп ададлик аскарлар ва фуқаролари бориб, ул вафот бўлмишларни ёдга олиб дуо қилиб келадурлар.

Русиялар Тошкандни фатҳ қилгандин кейинги йили, яъни 1866 йил 24 майда Хўжандни, мазкур йилнинг 2 ўктябрида Ўратепани, мазкур йилнинг 18 ўктябрида Диззах шаҳрини фатҳ қилди. 1868 йили генерал фўн Кауфман бошлуқ русия аскарлари Зарафшон дарёси лабиға келганда, нодон ва аҳволи оламдин беҳабар аҳоли русиялар ила муҳораба орзусида бўлуб, Бухоро амири марҳум Музаффариддинхонни беғайрат, қурқоқ деб ҳар хил ифтиролар қилиб, кўшун жамъласалар ҳам, амир хазратлари русиялар ила сулҳ этмак муносиблигини билиб, Мулло Нажмиддин номли элчини русия аскарларининг бошлуғиға юборган эдилар. Лекин, Зарафшоннинг рўбарўсида, Самарқандда қирқ минг аскар жамъ бўлгани русияларға маълум бўлган сабабдин русиялар сулҳни қабул қилмай, Русия аскарлариға Зарафшондин ўтмоқға амр берилди. Саккиз минг русия солдати ила ўн олти тўпдин иборат бўлган русия фирқаси белбоғидин келадурғон Зарафшон сувига тушуб, ўтмак бўлғонда оларнинг рўбарўсида Бухоро ва Самарқанд аскарлари отиб турган тўп ва милтиқ ўқлариға қарамай, сувдин кечиб ўтганини кўруб, Бухоро кўшуни тўғри Самарқандга қараб қочмоқға бошлади.

Самарқанд ила Зарафшон ўртасида Чўпон ота деган тепада уруш қилмоқға ниҳоятда аҳамиятлик ва қулайлик жой бўлса ҳам, ул мавзейидин истифода қилолмай ва русияларға кўп муқобил бўлолмай қочдилар ва қочганлар кетидин русиялар Самарқандға кирдилар. Самарқанддин қочган Бухоро кўшуни Каттакўрғондин то Бухороғача тўхтатмай қочдилар. Салоҳсизлик, интизомсизлик ва маълумотсизликдин қирқ минг кўшун ўн олти минг низомли аскарға муқобил бўлолмай, оламға шуҳратлик Амир Темур пойтахти бўлган Самарқанд 1868 йил 2 майда русияларға берилди, яъни қадим замонда Самарқандни бино қилган ва ё фатҳ қилган машҳур подшоҳ Искандар бўлса, бу тарика машҳур ва номдор шаҳарни русияларнинг подшоҳи иккинчи Искандар замонида фатҳ қилинди. 1870 йилда Китоб шаҳри фатҳ бўлинди. Бу миёнада Хивада ямуд ва туркманлар Ўрунбург йўли ва бошқа йўлларда талон-торож кўпайган сабабдин Хивани олмоқ учун сафар тадорики қилиниб, Хивага муқобил уч фирқа аскар уч тарафдин юрмоқға тайин қилинди. биринчиси Тошканддин генерал Фўн Кауфман бошлук, иккинчи, Ўрунбург, учинчи, Қофқоз тарафидин. Бу уч ўрду бир минг чақиримча яқин дашту саҳро, сувсиз чўлу кумзордин ўтуб Хива туфроғиға тайин бўлгон жойдин бир-бирларига кўшулуб, уруш қилиб, Хивани олдилар. Лекин, Хивани олсалар ҳам, дохилий идора ишлари, Хива хон ҳазратлариға топшурулуб, русия аскарлари қайтмоқ бўлганда, Хива туркманлари хонга қарши исён қилгон сабабдин русия аскарлари туркманларға муқобил бўлуб, хонга ёрдам қилди. Туркманлар русия аскарлариға қарши туролмай, алар ҳам итоат қилдилар. Мундин кейин Хивадаги ҳар хил асирлар озод қилинди, асирлик ва қулик манъ қилинди. Хивани олгандин кейин Ахолтепа ва Марв туркманлари русияларға тобеъ бўлмакни хоҳласалар ҳам, вақтни тақозосича қабул қилмадилар.

Тошканд фатҳ бўлгон тарихдин то 1875 йилгача яқин ҳамсоя бўлса ҳам Хўқанд хонлиги ниҳоятда тинч ва Русия давлатиға дўстлик робитасида туруб ҳеч бир турлик ҳаракатда бўлинмади. Аммо мазкур 1875 йилда Абдурахмон *офтобачи*²⁴⁴⁹нинг Худоёрхонга қарши бад муомаласи ва исёни зоҳир бўлуб, бир-бирларига ҳужум ва қаршилиқлар то Тошкандгача таъсир этиб, хўқандликлар Хўжандга ҳужум этмак бўлгонда генерал фўн Кауфман аскар жамълаб, Хўжанд шаҳриға бориб муҳофаза қилгандин кейин Хўқанд тарафиға сафар қилмоқға мажбур бўлуб, тўғри бостуруб 1875 йил 29 августда Хўқандға тобеъ Маҳрамни олиб, андин Хўқандға ва андин Марғилонга бориб, Хўқанд аскарини мағлубу паришон қилди. Ва бу танбеҳу тарбия аларға кифоя қилса керак деб, генерал Кауфман ул жойдин кейин қараб қайтди. Бу мартаба мазкур йил 24 ўктябрда ёлғуз Наманган шаҳри фатҳ қилиниб, мазкур шаҳарда бир оз миқдор русия аскарини генерал Скубелуф қолган эди. Русия аскарини қайтган ҳамоно қипчоқ-қирғизлар Пўлодхон деганини хон кўтариб, кўшун тортиб, келиб, Намангонни муҳосара қилди. Генерал Скубелуф шаҳардан чиқиб, хўқандликларға ҳужум қилиб, бир оз вақт Фарғонанинг ҳар шаҳарларида уруш-талаш бўлуб, охири тамом Хўқанд хонлиги Русия мамлакатиға кўшулуб тобеъ ва муттасил бўлди. 1881 йил 12 январда Туркистон вилоятиға тобе туркманлардин Гуёк тепа туркманлари, 1885 йил 12 январда, Кушка шаҳри русиялар тахти тасарруфиға ўтуб, тамом Туркистон вилояти Русия ҳукмронлигиға табеъ бўлди.

Туркистон хонлари вақтидаги мусулмониялар ниҳоят даражада аҳволи оламдин хабарсиз бўлдилар. Қадимги ҳаққоний уламолардин оз асар қолиб, холис зухду тақво бўлмай, риёкор ва хушомадгўй кўпаймоқда эди. Золим ҳуқуқларға рост ва тўғри сўзни айтадурғонлар қолмай, золимлар учун беш-ўн тилло бадалига эртадин кечгача хушомад сўзлар айтиб, олар қандай сўз айтса маъқул дейдурғонлар бўлгон эдилар «ё жувондир, ё жувонбоздир бизнинг атфолимиз» мазмунича аксарлари ёшлиқда баччалиқ улғайганда баччабозлик балосиға мубтало эдилар. Умаро ва вузаро ва вукалоларнинг аксари ё Эрон асирларидин ва ёки ёшлиқда бачча бўлуб, бек ва ё хон ном кўтарган бефаросатлардин тайин бўлур эди. Илму маорифда бўлса Туркистонда ўтган Ибн Сино, Фаробий, Улуғбек, Алиқушчи ўрнига ўлтурғоч олим, файласуфи замон деганларимиз иззату нафс ва риёкорликға табдил бўлуб, жаҳл балосиға мубтало бўлгон эдилар. Ҳакам ва улуғларимиз фуқаролардин олунадургон ушр, хирож, закот ва бошқа байт ул-мол даромадларини ўз жойиға ва масрафиға сарф қилмай, ўз хоҳишлари ва кайфу йўшаълариға харж ва сарф қилар эди. Ҳукумат ишида мутлақо мунтазам қоида ва қонун йўқ эди. Фуқаролар оларнинг қули, пул ва моли оларнинг ўз молидек ҳисоб қилинур эди. Агар бирор одамни ўз хоҳишларича *урғу* ва гуноҳкор қилсалар, Ани ўлум ва ё қаттиғ азобға ҳукм қилиб, тамом молу амволини подшоҳликға деб олур эдилар. Балки ул гуноҳкорнинг гуноҳсиз хешу ақраболари ҳам ул гуноҳдин холи бўлмас эди.

Раиядин олинган солиғ пуллар ҳеч бир вақт кўча, кўпрукдек халқ манфаати учун сарф бўлинмас эди. Улуғ мансабдорлардин тортиб, кичик ва паст мансабдорларгача ҳеч қаюлариға

²⁴⁴⁹ Офтобачи – хоннинг хос мулозимларидан бўлиб, унинг ювиниши ва таҳорати вақтида хизмат қилган.

микдоре (вазифа) моҳона бўлмай, қўшбеги, парвоначи ва буларга ўхшаш улуғ мансабдорларга бирор шаҳар инъом қилиниб, чунончи, оларни бирор катта шаҳарга ҳоким қилиниб, кичикроқ мансабдорларга қишлоқ ва ё бирор ариғ инъом айлаб, бу зикр бўлмишлар ул шаҳар ва қишлоқ ва ариғ фуқароларини ўз ихтиёрларича тасарруф қилур эдилар. Булардин содир бўлган зулму таадди устидин юқорироқ жойга арз қилмоқга имкон йўқ эди. Ва агар би-л-фарз ва тақдир арз қилинса, ул арза қилгувчининг арзи бирор жойга етмай, балки азобу укубатга дучор бўлур эди. [Ояти каримада айтганидек] «инналлоҳа ла йуғаййиру ма биқавмин ҳатта йуғаййируу ма бианфусихим» [яъни, аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Ал-лоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас]²⁴⁵⁰. Худованди карим бирор қавмини тағйир ут-табдил қилмоқни хоҳласа, аввало ул қавмнинг ахлоқ ва атворини тағйиру табдил қиладур. Бу сўзлар гарчанд дурушт ва аччиғ сўзлар бўлса ҳам, лекин, инсоф назари илан қаралса, тўғри ва рост сўзлардур.

Тарих ёзадурғон муаррихлар мадҳу таъриф ёзадурғон мунший ва мирзолардин бўлмай, воқеий сўзларни ёзадур.

Хулосаи калом, Худованди оламнинг иродаи азалийси илан бу Туркистон вилояти бутун Дашти Қипчоқ илан Русия подшоҳининг тахти тасарруфиға кириб, Бухоро ва Хива хонликлари Русия химоясида ва худуди дохийида бўлуб, ул хонларнинг хорижий ишларидин бошқа дохийий ишлари ўз ихтиёрларига қолдурулди. [Ояти каримада айтганидек] «Туъти-л-мулка ман ташау ва танзиу-л-мулка ми-м-ман ташау ва туъиззу ман ташау ва тузиллу ман ташаъ» [яъни, «...сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортуб олурсан, истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан»]²⁴⁵¹.

Хусусан, Тошканд шаҳри ва атроф-жониби илан Русия давлатиға тобеъ бўлғониға ушбу 1915 йил 15 июнга эллик йил тўлди, яъни ярим аср бўлди. Тарихнинг бу даври [билан] тамом бошқа давр бошлади.

Русия Тошкандни фатҳ қилишдин илгари Тошканд аҳолилари ниҳоятда хароб ва фақир ва камбағал эдилар, саҳроларда зироат кам эди. Зероки, шаҳардин олисроқ, саҳроға чиқиб, зироат қилмак хавфлик эди. Чунки, ҳакамларимизнинг беқувватлигининг истифода қилиб, атроф-жонибидин элатия қозоқлар дехқонларнинг оту-хўкизларини, эккан зироатларини талон-торож айлаб ва балки ўзларини ўлдуруб кетмоқ хавфи илан Тошканд шаҳрининг атрофидин олисроқ чиқолмас эдилар. Тижорат бўлса мундин ҳам ёмон даражада бўлуб тужжорларимиз йўлларнинг хавфлик ва амниятсизлигининг олис шаҳарларға бориб савдо-сотуғ қилмас эдилар. Тошканднинг ҳосилотларидан чунончи, пахта, ўрук, ёнғоқ, майиз ва шунга ўхшаш ажносларни русия шаҳарларидин Твиритский [Тверь] ва Ўрунбург шаҳриға олиб борадурғон бир жамоа савдогарларимиз бор эди, мазкур тариқа молларни тевага юклаб бир юз икки юз одам бир карвонбошиға тобеъ бўлуб, отлик, тевалик сафар қилиб дашту чўллар, чунончи, Сарисув, Бойғаро, Жамбул, Бадбахт чўли деган дашту чўллар илан бориб, ул шаҳарлардин олғон молларини ҳам тевага юклаб, юклаб келтурар эди.

Бу йўлларда юқорида баён қилғонларимиз, қозоқ тўралар ул бечора савдогарлардин баъзи вақти закот деб ва баъзи вақт тўғри талон-торож айлаб, молларини олур эди. Йўлларнинг амниятсиз ва ўзимизнинг илмсизлигимиздин ҳеч ишимизда равнақ ва ривожимиз йўқ эди. Энг катта машҳур бой деганларимизда минг тиллодан иборат тўрт минг сўм йўқ демакға мумкин эди. Кўчаларимизға тош солилмағон ва чироқ йўқ, ариғларимиз кўпрук кўрмағон, қишларда лойдин ва қоронғуда юруб бўлмағон, шаҳримиз бир харобазордин иборат эди.

Эмди Моварауннаҳр ва Туркистон саҳроларининг ихтилоли, яъни талон-торож, фитна-фасод вақти ўтди. Роҳат ва тинчлик замони келди. Маданий Русия ҳукумати пўчта, тилигром, темир йўл илан, Ўрта Осиёни илм ва маданият оламиға забт ва рабт қилди. Мунтазам қоидалар, мустаҳкам усули идора ва забтиялар ила роҳат ва саломатни таъмин қилди. Мундин муқаддам кўп карвон ила ўтуб бўлмайдурғон йўллардин бот ёлғуз юрмак мумкин бўлди. Вилоятимизнинг молу мато ва мева тижоратиға катта ривож берилди. Туркистон меваси, юнг, тери, пахта, ипак ва бошқа моллар қиймат баҳолар ила Русия ичкарасиға олиниб, Русиядин Туркистонға оқча сувдек оқа бошлади. Туркистон аҳолисининг касби ва бойлиги, сарвати бирга ўн, балки мундин ҳам зиёда бўлди. Фақирлар камбағал, мардикорларнинг хизмат ҳаққи бир ва мулклар қиймат, ғоят даражада баландга ва қиммат баҳога кўтарилди. Хазинага бериладурғон солиғ ва тижорат моли (право) пули бадалида Туркистондин Русияға тахминан йигирма – ўттиз миллийўн сўм кетмоқ ўрниға Русиядин Туркистоннинг ободлиги учун ҳар йили қирқ-эллик миллийўн сўм оқча келадур.

²⁴⁵⁰ Қуръони карим. 13 : 11.

²⁴⁵¹ Қуръони карим. 3 : 26.

Хулосаи калом, Туркистон аҳолилари Русия давлатига табеъ бўлгондин буён ободонлик истиъдоди молия жиҳатидин мамнун ва мустафиддур.

Очинг кўзларни атрофии жаҳонга,
Кўрунглари ҳикмату санъат маконга.
Бўлуб пайдо кетурди манфаатлар,
Анинг шукрин айтинглари ломанконга.

Аввалги мусулмония асрида ўтуб бўлмайдургон нахрлар ва дарёлар, чунончи, Чирчик, Сирдарё ва Амударёдек улуғ ва хавфлик дарёларга беҳавфу ҳарос ўтадургон темир кўприклар солиниб, Тошкандин ўттуз-қирқ чақирим масофадаги Тўйтепа қарйасига йўлнинг ботқоқ камишзорлиги сабабдин бир кун икки кунда борадургон масофага алҳол уч-тўрт соатда бориладур. От-ароба ила борадургон олти ойлик олис шаҳарларга вогун ила олти кунда бориб ва тилигром илан олти минут ичида ул олис жойдагилар ила сўзлашадур. Мундин бошқа шаҳар ичида тиромвой ва афтомобилга тушуб, хоҳлагон жойга арзон баҳо ва тезлик ила борадур. Ва ҳар қаю Туркистон шаҳарларида уйозларида ҳар хил зовудлар, чунончи, пахта зовуди, ёғ зовуди, гугурд зовуди, макарун, тахта, темир ишлайдургон завудлар ижод қилиниб, мусулмонияларимиздин ҳам зовуд қила бошлаб, андин кўп фойда этмакдадурлар. Яна мундин бошқа эшитилмаган ҳикмат ва санъатлар кўпая бошлади. Фўтўгроф (тасвиротхона) ва синаматўгроф (кино) ва грамафун илан нағамотлар (овозлар) эшитилмоқдадур. Қадим вақтдаги қора чироқ ва лой шамъ ўрнига лампа элиқтриқ илан ёруғ қилинди. Бу баён бўлгон нимарсалар ва ихтироларнинг манфаати одамзоддин ўтуб, ҳайвонотга қадар етиб турадур. Лекин қуввати молия кўпайган илан туркистонликларнинг маориф ишлари ниҳоят даражада кейиндадур. Ва агар шул тариқа ғавфлат ва жаҳолат узра бўлсалар, янги топиб тургон қувваи молияларини ҳам ғойиб этмакликларида шубҳа йўқ. Зероки салоҳлик ва низомлик муаллим ўн салдоти салоҳсиз ва таълимсиз юз одамни қўй ҳуркутгандек ҳуркутуб қочирадур. Хунарлик ва белгилик тожирлар ва косиб аҳли санойиёлар эски усул ила иш қиладургон мусулмонларга охири ғалаба қилмоғи табиийдир. Бу аҳвол кўп ерларда тажриба қилиниб кўрулгандир. Москов моллари жойдори адрас ва бошқа молларга ғалаба қилиб, фабрикадан чиқадургон ҳар хил моллари Туркистонниг жойдори устакорларининг тўқуғон моллариға устун бўлғони, келадургон вақтда оларнинг ғалабаларининг аломатидур. Чунончи, мусулмония асрида мусулмон устакорлари тўқуйдургон қалами, олача, парпаша, самсама, бўз деган матоларни Русия фабрикаларидин келадургон матоларга қиёс қилиб, ҳеч ким олмайдургон бўлди. Шул сабабдин ул косиблар касбларини ташлаб мардикорлик касбиға мубтало бўлуб қолдилар. Аҳли ақл ва аҳли ҳамият келадургон аҳволни келмасдин илгари (иложи воқеа қабл аз вукуъ дегандек), фикр ва мулоҳаза этмак керак, бало воқеъ бўлгандин кейин фурсат қолар ё қолмас. Фатви замон фатви макон даражасидадур. Мактаб ва мадрасаларимизда илм таҳсил қилинур, маориф ва камолотдин дарс йўқдур. Илму фунун ва жуғрофияи оламдин хабари бўлмағон энг олим ва мударрис домламиз ўз ҳовлилари орқасидаги дунёда нима воқеъ бўлгонлигининг хабарлари йўқдур.

Ҳар он кирме, ки жойи ў камин аст,
Замину осмони ў ҳамин аст.
[Пинҳон тешиқда яшаётган қурт учун,
Ер ҳам, осмон ҳам шу яшаётган жойидир].

Аҳволи тарихиядин тижорат ва иқтисод майдонидаги рақобатдин муносабити милал ва сиёсийет ва аҳволи олами ҳозирадин ва бошқа билмоқлиги зарур бўлган шайълардин бебаҳра ва беҳабардурлар.

Илми динсиз охираат йўли топилмагандек, маориф ва камолатсиз дунё йўллари ҳам топилмас. Улуми нақлия илан баробар улуми ақлия ва лисони ҳукумат таҳсил этмоқ керак. Бизларда бўлганидек, барча маданий миллатларда диний мактаблар ва мадрасалар бор, лекин оларда бизларда бўлмаган фунун ва маориф ва санойиё ва тижорат мактаблари бор. Бизларда ҳам бул тариқа мактабларда таҳсил қилмак зарур шайълардиндур.

Ҳукуматимизнинг мазкур тариқадаги фунун дарсхоналари биз мусулмониялар учун ҳам очикдир. Хоҳлагучи мусулмония болалари бориб, таҳсили улум қилсалар моний йўқ. Алҳамдулиллаҳ, аввалги асримизга қараганда ушбу замонамизда илмға шуғл қилувчиларимиз ҳам кўпаймоқдадур. Ҳар қаю маҳаллада мактаб бор, таълим бор. Хусусан, русия забони ва хатини ўқумак ва билмакға кўп саъй қилмакдадурлар. Мундин ўттиз йиллар муқаддам Тошканд шаҳрида биргина русский туземнуй ушкул (мактаб) бўлуб, анда ўқиғувчилар йўқ ҳисобида эди. Алҳол саккиз адад русский туземнуй ушқулида русия забони ва хатидин бошқа мусулмония муаллимлари мусулмонча

ўкутуб, андин истифодалари ҳам яхшидур. Ҳар йилги имтиҳонда маълум бўлуб турубдур. Мундин ҳам кўпроқ саъйу тараддуд лозимдур.

ТАРИХ И ТУРКИСТОН

Иккинчи жилд

Ушбу «Тарихи Туркистон»ни ёзгон вақтимиз русияларнинг Тошкандни фатҳ қилғониға 1915 йил 15 июнда эллик йил тўлган байрамға (юбилей) тўғри келган сабабдин мусулмония асри илан эллик йил миёнасида фарқ ва тафовутдин андак баён айлаб, тарихнинг биринчи жилдини тамом қилдим. Худованди карим қувват ва истеъдод ато этса, иккинчи жилдиға шуруъ қиламиз.

Хўқанд хонлиги гарчанд би-л-кулли маҳв ва мунқариз бўлса ҳам тарих саҳифаларида ёдгор қолдурмак муддао илан бақадри иститоат баён қилинди. Мазкун хонлар асрида қандай мансаб ва амаллар бор эканлигини ҳам ёзиб ўтмак фойдадин холи бўлмас деб баён ва аён қилинадур.

Хўқанд хонликлари асрида жорий бўлуб турган ҳар хил мансаблар чунончи, *мингбоши* ва *мири лашкарлик* мансаби бу мансаб военнуй министрлик қаторида бўлуб, ондин бошқа ҳукуматни ҳамма ишига мудохаласи, чунончи, хорижия, дохилия ишлариға тамом дахли бўладур. Иккинчи, *қўшбегилик* мансаби, бу мансабдаги одамлар доимо хон ҳузурида маслаҳатчи қаторида туруб ва ёки бирор катта шаҳарға ҳокими би-л-истиклол насиб қиладур. Учинчи, *парвоначи*, бу мансабдаги зот ҳам *қўшбеги* лавозимотини адо қиладур. Тўртинчи, *шиговул*, бу одам вазири илмиядек бўлуб, *қози*, *мударрис*, *аълам*, *шайх ул-машойих*лар онинг кўрсатгани бўйинча тайин қилиниб, буларнинг тафтишлари ҳам онга оиддур. Бешинчи, *худайчи*, бу зот, хонга адютант ҳукмида бўлуб, хонга махсус бериладурғон аризаға ва бўлак ишларға восита бўладур. Олтинчи, *тунқотир/тунқатор*, бу мансабдаги одам хоннинг махсус ётадурғон жойиға посбондек кечаси доимо ухламай хоннинг амриға мунтазир бўлуб турадур. Еттинчи, *нойиб*, тамоми сарбозлар онинг ихтиёрида бўладур. Саккизинчи, *оталиқ*, тўқизинчи, *додхоҳ*, ўнинчи, *меҳтарбоши*, ўн биринчи *шарбатдор*, ўн иккинчи *дастурхончи*, ўн учунчи, *хазиначи*, ўн тўртинчи *маҳрамбоши*, ўн бешинчи *эшик ога боши*, ўн олтинчи *понсадбоши*, ўн еттинчи *тўқсоба*, ўн саккизинчи *девонбеги*, ўн тўққизинчи *мирзобоши*, йигирманчи *саркор*, йигирма биринчи *мироҳўрбоши*, йигирма иккинчи *юзбоши*, йигирма учинчи *баковулбоши*, йигирма тўртинчи *даҳбоши*. Ушбу мансабдорларнинг ҳеч қаюларида муқаррар вазифа бўлмай, *қўшбеги* (парвоначи)ларға бирор катта шаҳар ва андин кичикларға қишлоқ ва ё бирор ариғ бериб, бошқа мансабдорларға подшоҳликдин от, либос, аслаҳа, бир йилда икки-уч маротаба ғалла ва сарупо берар эдилар. Мундин бошқа бир неча майда мансаблар ҳам бўлур эди. Илмия ва ҳуқуқ мансабдорларидин *қозий ул-қузот*, *қозийи калон*, *қозийи аскар*, *қозийи махсус*, *аълам*, *муфти*, *мударрис* буларнинг ҳар қаюларининг ўзлариға махсус лавозимлари бўладур. Яна, *шайх ул-ислом*, *шайх ул-машойих* мансаблари ҳам бор эди. Буларни зикр қилмоқдин мурод мусулмония хонларининг асри тобора баъдахд бўлуб, бул мансаблар ҳамманинг хотири ва зехнидин фаромуш бўлмақдадир. Унутмаслик учун деб ба қадри иститоат мазкур тариқадаги мансаблар зикр қилинди²⁴⁵².

²⁴⁵² Бухоро қози калони Садрғи Зиё – Муҳаммадшарифжон ибн қози Абд уш-Шакур ўзининг эсдаликларида Бухородаги амал ва унвонлар ва улар эгаларининг вазифалари ҳақида қуйидаги маълумотларни беради: «**Бухоро ҳукмдорлари даврида маълум бўлган амаллар**. Уламо ва содот (саййидлар)нинг ҳокимларға тенг мансаблари тўрттадир. Биринчиси қозийлар (қузот) мансаби. Унинг энг юқориси *шайх ул-ислом*дир. Кейингиси *қози ул-қузот*, ундан кейин *қози аскар* ва ундан пастрок *воли-йи аскария*дир.

Иккинчиси муфтийларнинг амали. Уларнинг энг юқори амалидагини *аълам* дерлар. Унинг вазифаси фуқароларға фатво беришдан иборат. Кейин *муфти аскар*ким аскария фатвоси унинг вазифаси доирасиға киради. Сафарлар чоғида ва фавқулудда ҳолатларда унинг ва қози аскарнинг ваколоти шу даражада бўладики, вилоят муфтиси ва қозиси, агарда подшоҳнинг айри махсус фармони бўлмаса вазифаларидан олинган ҳисобланади. Бундай ҳолат бугунги замонда ҳам маълумдир.

Учинчи ихтисоб (мухтасиб)лар амаллари. Агарда *мухтасиб* саййид авлодидан бўлмаса саййид бўлмаганлар мухтасиблиги ва уларнинг амри маъруф ва наҳий мунқари унинг вазифасидир.

Тўртинчиси тадрис (мударрислар) амаллари. Умрларини толиб ул-илмлар таълимиға бахшида этганларға берилади.

Яна фақат саййидларға бериладиган тўртта амал бор. Биринчиси [Жўйбор] *маснаднишини* (маснад, яъни тахтга ўтирувчи)дур. Жўйбор мавзеининг нинг ички ва ташки ҳукумати унинг қўлида бўлган. Баъзан унга бу мансаб фахрий унвон сифатида берилиб, бошқарув унинг зиммасидан соқит қилинган.

Иккинчиси *нақиб*. Юриш, муҳорабалар ва кўчиш вақтида аскариянинг буткул зийнати ва керакли нарса билан таъминланиши унга мансуб бўлган. Учинчи *ўроқи калон* (катта ўроқ). Аскарияда бўлган саййидларнинг назорати унга юкланган эди. Туртинчи амал бу *нақибандий* амалидир. [Баҳо ва-д-дин Нақшбанд] мозори шарифларининг бошқарувига масъул амалдор.

Аниқ бир тоифаға мансуб бўлмаган яна тўртта амал мавжуд бўлган. Уларни подшолар ўзбекларнинг уламо ва саййидларига ўз хошишларига қараб берардилар. Булар *мир асадлик*, *файзилик*, *садр* ва *судурлик*. Бироқ *файзи* олим ёки саййид бўлса, унда шаҳар ташқарисидидаги бир фарсах масофадаги саййидлар ва хўжаларнинг мухтасиблиги унинг зиммасида

«Тарихи Туркистон» дедук, Фарғона хонларининг аввалидин охириғача баён қилдук. Бухоро ва Хива мамлакатлари ҳам Туркистон бирлан ҳамсоя бўлган важҳдин оларнинг ҳам кейинги вақтлардаги яъни, ушбу асримизда ҳукмронлик қилиб турғон хон ва амир ҳазратларининг ота-

бўлган. Садр эса шаҳар ичкарасида бир фарсах масофадаги вақфлар мулкани бошқарган. Судур эса шаҳар ташқарисидаги вақфларни идора этган.

Қалам аҳлининг амаллари ҳам тўртта бўлган. Биринчиси *девони калон* (катта девон). Танхоҳ, хирож ва шунга ўхшаш амир[лик] дафтарларининг аминлиги унинг қўлида эди. Иккинчиси *мушриф*. Султоннинг инъом ва ҳадиялари, яъни байроқ, жибба, совут, от, яроғ ва шунга ўхшаш нарсаларни рўйхатга олиш учун мутасаддий бўлган шахс. Учинчиси *дафтардор*. Бу амалдорнинг вазифаси саройдаги барча маросимларнинг сарф ва харажотларини катта дафтарга ёзиб боришдан иборат бўлган. Тўртинчиси *девони танобона*. Бу амалдор вазифахўрлар хирожи ва султоний ерларнинг маҳсулотларига жавобгар эди.

Аҳли қаламнинг яна тўрт амаллари бордир. Биринчиси *муниший*. У муборакномалар ва маншур (фармонлар)ни ёзишга масъул. Иккинчиси *девони арбоби даруни шаҳр* (шаҳар ичкарасидаги арбобнинг девони)дир. Ариқ ва заҳкашларнинг ҳашар ишлари ва жинойтчиларнинг султон фармониغا биноан жазоланиши унга юкланган. Учинчиси *девони арабхона*. Араблар жамоасидан навкар (сарбоз) олишини назорат қилар ва қалбакилаштириш, товламачиликка қарши ишларни олиб борарди. Тўртинчи *девони тавжих*. У девони дафтардор ва девони танобонадек кирим ишларини назорат қиларди.

Яна тўртта амал мавжуд. Биринчиси *китобдор*. Султон кутубхонасининг масъул амалдори. Уламо, вазирлар ва фозиллар томонидан тортиқ қилинадиган рисоалар ва [девони] ашъорларни қабул қилиб олишга жавобгар. Иккинчиси *девони бахши*. Кутвол, яъни султон қурилиши ва иморатлари, уларнинг сарфу харж ишларига мутасаддий амалдор. Учинчи *девони сайисхона* (сайисхона девони). Сийисхонанинг барча ишларига жавобгар. Тўртинчи *тўшакхона девони*. Сарой ва харамдаги барча палослар [ва керакли нарсалар], уларнинг сотиб олиши, алмаштирилиши, ҳисоб-китоби унинг қўлидадир.

Юқоридагилардан пастроқ даражадаги яна тўрт амал бор. Булар *мушриф* хурд, *пойгирнавис*, *девони маҳрам*, *девони ясовул*. Улар аниқ ва маълумлигидан баён этилмади.

Мухаррир (котиб, мирзо) ҳам тўртта бўлган. *Девони саркор муҳаррири*, *амлок*, *ахбор* ва *кутубхона муҳаррири*.

Тўртта улуғроқ даражадаги амаллар мавжуд. Уларнинг эгалари султон ҳузурида ўтириш учун муаян ўринларга эга бўлганлар. Биринчиси *атолиқким* гўё подшоҳнинг отаси ўрнидадир. Бухоро суви Самарқанддан то Қароқўлгача ва барча туманларнинг суғорилиши ва сувининг тенг тақсимоти унинг ихтиёридадир. Иккинчиси *демонбеги калон*. Девонбеги калон ихтиёрида вилоят хирожини барча масъул амалдорлар ва бошқалардан олиш бўлган. Унинг назоратида вилоятлардан олинадиган нақдина тўшакхона меҳтарига берилиб, амлокдорга берадиган ғалла эса девони калон ва танобона дафтари ҳисобидан сўнг кирим қилинарди. Қароқўлнинг мироблиги ҳам девонбеги калон вазифасига киради. Учинчи *парвоначи*. Олий ҳукмдорнинг умаро, уламо ва барча одамларга қилинган олий буйруқлари ва имзоланган фармон ва кўрсатган марҳаматлари парвоначи орқали эгаларига етказилади. Араблар тоифасининг ҳукумати парвоначига таалуқлидир. Тўртинчи *додхоҳ* амали. Арзгуйлар ва талабгорларнинг арзларини подшоҳга етказиб, жавобини уларга топширган.

Ҳукмдор яқинларига бериладиган яна тўрт амал бор. Булардан биринчиси *қўқалдош*дир. Вилоят ишларидан, дўсту душмандан хабардор бўлмоқ, жосуслик ишларини назорат қилмоқ унинг вазифасидир. Иккинчи *қўшбеги кулл*. Ов ишлари, асбоб анжомлари, қуш ва тозий итларга мутасаддий амалдор. Учинчи *иноқи калон*дир. Подшоҳ томонидан амир бўлмаган шахслар ва шогирдпешаларга бериладиган мансаб ва амаллар хабарини соҳибларига етказарди. Тўртинчи *хожайи калон*. Салтанат саройидаги барча хожаларнинг бошлиғи. Султон ҳарамдаги зеб-зийнат, озик-овқати ва бошқа юмушлари унинг зиммасида бўлган. Мазкур амалдорларнинг даражалари аҳли қалам намояндаларига тенг. Бироқ аҳли қаламдан фақат девони калон ҳукмдорнинг саройига отга миниб кириши мумкин.

Қуйидаги амаллар ҳам ҳукмдорнинг яқинларига берилади ва улар баъзан олий ҳукмроннинг амрига биноан саройга отга миниб келишлари мумкин. Бу тўрт амал *қўқалдош*, *қўшбеги* ва сарой хожайи калонидан кейин туради ва даражаси улардан пастроқдир. Биринчи *иноқи хурд* (кичик иноқ), иккинчиси *меҳтари калон* (катта меҳтар). Бирор ариза ёки элчи (нинг хати) саройга келса аввал иноқи хурдга берилади ва у хатни очиб, подшоҳнинг розилиги билан муншийга баланд овоз чиқариб ўқиш учун берилади. Меҳтари калоннинг вазифаси закот, муминларнинг ушри (дахяк солиғи) дан тўртини, зиммийлар ушрининг ярмини, ҳарбийларнинг ушрини, мол ва нақд пуллар, чорва ва ғалла луқтаси (топиб олинган эгасиз нарсалар) ни ўз эгаларига топширишдан иборат. Учинчиси *девони саркор*. Султон ерлари, тегирмон, подшолик дўконларини фойдаланишга ва ижарага беради, кирим чикими ҳақида хос саркорга ҳисобот беради. Султон ҳарам, хазинаси, кўруниш вақтидаги таом ва шунга ўхшаш харажоти унга тегишли. Тўртинчи *дастурхончи*. Унинг хизмати подшоҳ дастурхонини тўшаш ва уни тартибга солишдан иборат.

Тўрт амал борким, уларнинг эгалари баъзан подшоҳ мажлисига қатнашишлари мумкин. Биринчиси *тўпчибоши калонким*, *тўпхона* (артиллерия) ишларига, кутвол, яъни султон иморатлари ва қурилишларига ҳам мутасаддий амалдор. Иккинчиси *баковул*. Ҳукмдор ошхонасига жавобгар амалдор. Сомжин туманининг мироблиги ҳам унга тегишли. Учинчиси *ўроқи хурд*. Ақобир ва умаро хизматида бўлган хизматчилар, яъни кафшбардор, ҳассабардорлар каби мулозимлар устидан назорат қилади. Тўртинчиси *чехраоқоси*. Вазифаси сарой жиловдорларнинг мухтасиблиги (бошқаруви)дир.

Яна тўртта амал мавжудким, уларнинг эгалари шоҳ саройига отга миниб келиш учун ҳукуклари бор. Булардан бири *эшиқоқобоши*дир. Сарой отларининг назорати унга тегишли ва Шопурком ҳукумати ва мироблиги ҳам ундадир. Иккинчиси *чигатойбеги*. Чигатой жамоасининг бошлиғи, Амиробод туманининг ҳукумати ва мироблиги ҳам унинг зиммасида бўлган. Учинчиси *тўқсоба*. Подшоҳ дастурхонидаги табақлар [ва идишлар] жойлаштириши ишига жавобгар. Харқонрўд туманининг ҳукумати ва мироблиги ҳам ундадир. Тўртинчиси *мироҳури калон*. Подшоҳ жиловида юриб, унинг ўнг ва сўл томонида капалакдек айланиб хабардор бўлиб юради. Коми Абу Муслим туманининг ҳукумати ва мироблиги унга таалуқли». Қаранг: Садр Зийе. Мажмуа // Қўлёзма. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, № 2193. Батафсил қаранг: Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. Садрғи Зийе ҳақида қаралсин: Воҳидов Ш., Чориев З. Садр Зия и его библиотека (Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века). Ташкент: Янги аср авлоди, 2007. С.3-34.

боболари қайу вақт ва қайу замондин буён ҳукмронлик қилгонликларини бақадри иститоат тарихи Туркистонга баён қиламиз.

Туркистон хонликлари Чингиз авлодидин амир Темурга ва амир Темур авлодидин яна Чингиз авлоди бўлгон Шайбонийхон ва Абдуллоҳхондек ўзбек хонлари авлодлариға ва андин салотини аштархония, чингизиялардин Имомқулихон ва Субҳонқулихон, то Абулфайзхонғача Бухоро ва Самарқанд пойтахт қилиниб ҳукмронлик қилгон саккиз нафар салотин, чингизия, аштархониянинг энг охири Абулфайзхон ўн икки ёшида подшоҳ бўлуб, қирқ тўққиз йил умр кўруб, 1160/1747 хижрийда мактул бўлди. Абулфайзхон хафиф ур-раъй ва савдойимижоз эди. Тарихи форсийда шул тарика ёзибдурким: «Абу-л-Файзхон ҳашт писар дошт, аз ҳар ҳашт фарзанд мутаваҳҳим шуда, ҳафт фарзандро дар пеши худ сар бурид. Яке аз фарзанди азизаш Абду-л-Мўминхон ном гирякунон дар паси тахти падар гурехта буда аст, то ҳукм кард, ки аз пояш кашида берун оварда бикושанд»²⁴⁵³. Хулосаи калом, Абу-л-Файзхондин кейин салотини чингизия насли мунаққит бўлуб, манғит тоифасидин Абу-л-музаффар Раҳимхон ибн Ҳакимбий ибн Худоёр ибн Худойқули подшоҳ бўлуб, Шаҳрисабз, Ҳисори Шодмон, Кўлоб, Хўжанд ва Тошканд тасарруфидин чиқди. Вазири эронлик Давлат қўшбеги бўлуб, мамлакат тамоми ҳалли уқди анинг яди тасарруфида эди. Қози ул-қузоти Мулло Низомиддин ал-Ҳусайний эди. Раҳимхон асноий сафарда кўп тажаммул ва шаъну шавкат илан ва мутакаббирона юрар эди. Охири умрида бир кун Ғиждувондин қайтиб келарда дарвеш ушбу байтни ўқибдур:

Дуди машъал пеш-пешу оҳи мазлумон зи пас,
Гирудори аҳли дунё панж рўзе беш нест.
[Машъаллар тутуни олдинда, мазлумлар оҳи орқада,
Дунё аҳлининг умри беш кундин ортиқ эмас].

Бу байтни эшитиб, Раҳимхон фоли бад қилиб, зиёда мағмум бўлуб, жумъа куни, ўн тўртинчи ражаб 1171/24 март 1758 санада вафот қилиб, Абу Бакр Тархон жувориға дафн қилинди. Раҳимхоннинг таржимаи ҳоли. Раҳимхоннинг боболаридин Худоёрбий вазир маъносида қўшбеги, ўғли Ҳакимбий эса қўшбеги ва оталиқ мансабида бўлуб, 1157/1744 санада вафот айлаб, ўрниға ўғли Барот қўшбеги ва бошқалар ҳам ҳар хил улўғ мансабға мансуб бўлуб, Абу-л-Файзхоннинг давлати тамом бу жамоа тасарруфида эди. Хусусан, Нодиршоҳ Бухороға келганда ўзбекилардин олти минг кишини интиҳоб қилиб, оларға Раҳимхонни сардор айлаб, Эрон ва Ҳиндистон расмича онга хон лақабини бериб, ўзи ила бирга олиб кетиб яна қайтариб юбормоғи, бу мулкға би-л-кулли тасаллут ва тасоҳиб бўлмоғиға сабаб бўлди. Гарчанд аввалги ҳолида жулуси тахт ва русуми подшоҳлик Абду-л-Мўминхон, баъда Абдуллоҳхон номиға қилса ҳам тобора қуввати зиёда бўлуб, душанба куни рабби ул-аввалда 1170/1756-57 йилда тахтға жулус қилиб, бошиға подшоҳлик тож қўйуб, хутбани ўз номиға қилиб, мустақил подшоҳ бўлди. Нодиршоҳнинг Бухороға келганиға сабаб, Нодиршоҳ Ҳиндустон сафаридин қайтганда Абу-л-Файзхон ва Ҳаким оталиқ сарҳадни сақламоқ учун Урганч хони Йўлбарсхон ила иттифоқ қилишиб, олтмиш минг аскар Қаршу тарафиға юборсалар ҳам аскарни нодириялар бир тоифасиға муқоамат қилолмай мунҳазим бўлуб қайтдилар.

Абу-л-Файзхон Нодиршоҳға муқобил бўлмоқға тоқатлари йўқлигини билиб, муносиб ҳадялар ила Хўжайи Жўйборийни элчи қилиб, Пешоварға, Нодиршоҳға бу мазмунда арзу ҳол айлаб юборди:

«Ман аз дудмони салотини собиқам, қуввати муҳорабаи он шаҳриёри фалакиқтидор надорам. Дар гўшае дуоғўям. Ҳар вақте ки ташриф намоянд меҳмонпазирам» [яъни, мен ўтмиш султонларининг хонадонлариданман, фалакка ҳам кучи етувчи ўшал шаҳриёрға қарши курашишға қувватим етмайди, бир бурчакда дуо қилиб ётибман, ҳар қачон келсангиз, меҳмоним бўлгайсиз].

Абу-л-Файзхоннинг бу арзаси Нодиршоҳға хуш келиб, элчиларни камоянбағи (ало кадри ҳол) эъзоз ва икром бирла мураххас қилиб бу тарика мактуб ёзди:

«Таҳрири шумо сидқ аст, лекин танбеҳи Элбарс аз жумлаи вохибот аст. Бар худ лозим кардем он бадфиолро хазо бидиҳем, иншо Аллоҳ! Баъд аз вуруди дор ус-салтанаи Ҳирот озими Балх ва аз он хо ба зиёфат ва расми мулоқот ба дидани он оли макони абват мақоми хоҳем омад. Меҳмонпазир бошанд ва андеша дар дил роҳ надиханд, ки чашм дар мулк ва моли он ханоб нест» [сизни деганларингиз ростдир, аммо Элбарснинг танбеҳи бажарилиши лозим бўлган вожиб нарсалардан бўлуб, уни биз ўзимизға лозим деб билдик, у бадфеълға биз жазо берамиз, иншо Аллоҳ. Ҳирот салтанат уйиға кирганимиздан сўнг Балхға, унда эса сиз олий макон ва юксак мақомнинг зиёфатиға

²⁴⁵³ Яъни Абу-л-Файзхонни саккиз нафар ўғли бор эди. Улардан у хавфсираб еттитасини кўзи олдида буюриб қатл этирди. Унинг сеvimли фарзанди Абд ул-Муминхон отасидан кўркиб тахти тагига яширинган экан буюриб, тортиб олиб қатлиға ҳукм қилди.

ва мулоқот расму русумини адо қилишга борамиз, сиз бизга мезбон бўлурсиз. Кўнглингизда ҳеч қандай андишага йўл бермангки, бизнинг диққатимиз сизнинг мулку молингизга қаратилмагандир].

Абу-л-Файзхон хурсанд бўлуб, меҳмондорлик тадорикига шуруъ айлаб беҳисоб арпа, буғдой, гурунч, кўй ҳозирлаб Абу-л-Файзхон уламо ва содот ва аёни мамлакат ила Қоракўлда бир-бирлариға мулоқот қилғонда Нодиршоҳ кўп эъзоз кўрсатиб, ёнида ўлтурмоқға амр қилиб, Абу-л-Файзхоннинг бошиға тожи мурассаъ ва халъати фохира ила малбус айлаб, «Абу-л-Файзшоҳ» хитоб қилиб, бир кечадин кейин қайтмоқға ижозат бериб, Нодиршоҳ икки кундин кейин Бухороға Чаҳор Бакрға келиб тушди. Бир кеча кун туруб Абу-л-Файзхонни икки қизидин бирини ўзиға ва бирини бародарзодаси Одилшоҳ ибн Иброҳимға никоҳ қилиб, Моварауннаҳр ҳукмронлигини Абу-л-Файзшоҳға топшуруб, ўзбекилардин олти минг нафар интиҳоб айлаб, хонни ёрлиғ айлаб Раҳимхон ибн Ҳакимхон *оталиқ*ға топшуруб, ўзи ила биргалаштуруб олиб кетиб, ушбу аскар ила яна қайтариб юборди. Бу қувват ва шавкат ва Нодиршоҳ ҳимояси ила Абу-л-Файзхондин кейин Раҳимхон би-л-истиклол подшоҳ бўлди. Гарчанд, Абу-л-Файзхон ила Нодиршоҳ бир тарихда вафот қилган бўлса ҳам Нодиршоҳ ўрниға бўлғон Аҳмадшоҳнинг Раҳимхонга ёрдам ва иноати Нодиршоҳдин кам бўлмади. Раҳимхондин кейин Фозилхон ибн Норбўтабек ибн Бадалбек ибн Ҳаким *оталиқ*, андин кейин амир Дониёл ибн Худоёр ибн Худойкули бир неча вақт Насафга ҳоким, Моварауннаҳрнинг амир ул-умароси 1159/1746 йил Нодиршоҳ тарафидин Кармана аморати ҳам берилиб, 1192/1778 йилда вафот қилиб жувори Ҳазрати шоҳ Нақшбандда дафн қилинди. Асрида *қўшбеги* ва *қозиси* Низомиддин халқға кўп жабр ва зулм қилиб, ҳаттоки, подшоҳ ҳузуриға борганда беистихола борур эди. Бу ишдин норози бўлса ҳам амир Дониёл манъдин ожиз эди.

Бир кун Шоҳмурод *тўра* отасиға арз қилдиким, ҳамма мамлакат ва анинг ҳосилоти *қўшбеги* тасарруфида, бизлар муҳтожлик аҳволотидамиз, нима илож бўлур деганда амир Дониёл «ман ҳам бу ишни биламан, лекин чорасидан ожизман» дебдур. Шоҳмурод *тўра* «иложини ман билурман», деб Хўқанддин элчи келганда бир баҳона ила *қўшбегини* талаб қилиб, хилват уйда тайёрлаб қўйғон жаллодлар ўткур пичоқ илан қорнини ёриб ўлдурубдур. Бу воқеадин бир йилдин кейин қози Низомиддинни ҳам шул тариқа қилди. Шоҳмуродбий ва Дониёлнинг қозиси Низомиддинға бирор киналари ҳам бор эди. Чунки бир вақтлар Шоҳмурод подшоҳлик таомдин ихтироз айлаб, ўз музди хизматидин зиндакорчилик қилмак муддаосида ҳаммоллик қилғон эди. Дониёлбий қози Низомиддинға ўғли Шоҳмуроддин шикоят қилғонда, қози алҳамдулиллоҳ бир неча барушду соҳибфаросат ўғулларингиз бор, бу эса мулк ва мамлакатға бадном ва номусшикан бу девонани ноқис қилсангиз ҳеч истиҳоласи йўқ деган эди. Бу сўздан Дониёл бий мутааллам ва Шоҳмурод иттилоъ қилиб, кинадор бўлди. Қози ҳам доимо хоиф ва ҳаросон бўлуб, Дониёлбийға илтижо қилиб, Шоҳмуроддин хавф ва ихтироз қилур эди. Дониёлбийнинг Маъсум, Маҳмуд, Умар, Фазл, Султонмурод, Рустам, Кенжа-Али, Ёқуб, Тўхтамиш, Дарвиш ва Ражаб-Али ном ўн бир ўғли қолди. Андин кейин отаси Дониёлбийнинг васияти бўйича амири маъсум ал-маъруф Шоҳмуродбий Бухороға подшоҳ бўлди, сўфиталъат дарвешсурат эди. Подшоҳ бўлмасдин илгари шайх Сафар ном зотға мурид бўлди. Шайх «сан золим ва золимзодасан, нечук риёзат ва хизмати машойихға тоқат қиласан», деганда Шоҳмуродбий қасам баистикомат қилиб, халқ назарида хор, золилик илан ҳаммоллик қилур эди. Халқ ани девона гумон қилур эдилар. Отаси харчанд манъ ва айб қилиб, санга хазинадин вазифа берилур деса ҳам қабул қилмай, тамом бир йил хизмат қилиб, шайх наздида мақбул бўлди. Баъд умури давлат ва ҳукуматға мудохил қилиб, амр би-л-маъруф ва наҳий ани-з-зикр қилиб, *қўшбеги* ва *қозини* қатл қилди. Бу аҳволдин бародарлари дилиға хавф, тушуб, отасидин кейин би-л-истиклол волийи Бухоро бўлди. Вазири Ўткур сўфи ном зот бўлуб, қозиси Мирзо Фазл ва мўътамади Муҳаммад-Амин *тўпчибоши* ва Хўжа Содик *қизлар оғаси* ном зотлар эди. Бир йилдан кейин бародари Тўхтамишбий амри ила Фаридун ном қул бир кеча юзиға пичоқ солса ҳам зарар қилмади. Тўхтамишни Чоржўйға бадарға қилиниб, Фаридун осилди.

Марви шоҳи жаҳон ҳокими Байрамали ва Хўқанд хонлари бирлан Дониёлбий ораларида мусолаҳа бўлуб, Байрамалини фарзанд ва Байрамали ул зотни падар деб хитоб қилур эди. Вафотидин кейин ҳадялар ила таъзиянома ёзиб юбориб, Марвда фуқароларға ош бериб, хатми қуръон қилдурди.

1211/1796-97 санада Оға Муҳаммадхон қожор кўп аскар ила Машҳади муқаддасга келиб, ани тасхир ва забт айлаб, ҳукмдори Нодиршоҳ сулоласидин бўлган Шоҳруҳ ибн Ризоқули мирзо ибн Нодиршоҳни азоб уқубат илан қатл айлаб, авлоди атбоъ ва хизонаи нодирияни олиб Мозандаронға кетди. Нодиршоҳ авлоди аксари Ҳирот тарафиға бордилар. Уларни Маҳмудшоҳ ибн Темуршоҳ эъзозу икром айлади.

Андин изну ижозат олиб, Нодир мирзо ибн Шоҳруҳмирзо авлоду ихвон ва атбоълари бирлан Кобулға Замоншоҳ ҳузуриға бориб, икки ўғли Имомқули мирзо ва Ҳайдар мирзони йигирма нафар

мулозимлари бирла Бухороға Шоҳмуродбий ҳузурига арза илан юборди. Арзанинг иборалари ушбудур: «алҳамдулиллоҳ ба сари кули олам машҳур аст, ки хадди мо Нодиршоҳ дар ҳақи Бухоро бади накард ва риоят намуд ва афифаи Абу-л-Файзхонро ба ақд овард, ки як афифа алҳол ба ақди никоҳи шумо волидаи Амир Ҳайдар мебошад. Ҳақи хеши ва қаробат дорем ва низ Муҳаммад-Раҳимхон, ки ибни амии шумо буд аз давлати шаҳаншоҳии Нодир соҳиби бахт ва тахт ва мулки Бухоро шуд, ки ал-миннат лиллоҳи наслан баъда насл ба жаноби шумо расида ва низ бар рои оламон зоҳир ва ҳувйдо аст, ки хаддам Нодиршоҳ баъд аз таҳқиқи дини мубини ривоҳи аҳли суннат ва жамоатро додан два тоифаи қизилбоширо мардуд ва мансух сохта буд. То ӯ буд, ки тоифаи мазкура фурсат ёфта дар манзили Хийушон мин мамолики Курдистон он шахриёри нектинатро шахид сохта аз он рӯз моён доимо риояти аҳли суннат ва жамоатро доштаем ва ал-вақт Муҳаммадхони нобакор мамлақати моро қаҳран ва хабран забт намуд. Падари аъмии моро ба дараҳаи шаҳодат расонид. Моён автон ва мамолики худро гузошта фирор намуда ба қурби хувори аҳли ислом овардем. Ал-вақт камина бо бародарон озими Кобул шудаем. Қиррат ул-айнон қуввати басираи ҳаҳондори Имомқули мирзо ва Ҳайдар мирзоро ба меҳмони ба хизмати шумо фиристодем. Умед, ки лутф ва марҳаматро дар ҳақи ғарибон дарег надоранд ва имдод ва асодро базл намоянд шояд, ки Машҳадро аз дасти қочор ахз шавад ҳар гох фатҳ рӯй диҳад сикка ва хутба ба номи сомии он жаноб шавад. Моён мутеъ ва дохилмансубон ва маҳсуб хоҳем шуд ва-ас-салом» [Оламларнинг парвардигориға шукурлар бўлсин. Машҳурдирки бобомиз Нодиршоҳ Бухороға ёмонлик қилмади ва ҳақнинг ҳуқуқиға риоя қилди. Абулфайзхоннинг хотинини ўз никоҳига олдики, ҳозир битта аёл сизнинг никоҳингиздадир. Қариндошлик ва яқинлик ҳақ-ҳуқуқиға эгамиз. Яна амакингизни ўғли бўлмиш Муҳаммадраҳимхон шоҳаншоҳ Нодир давлати туфайли Бухоро мулкининг тожу тахтиға эга бўлди. Аллоҳ га шукурки, мана наслдан наслга ўтиб, сизга етиб келибди. Яна олимларнинг фикриға мувофиқ очиқ ва равшанки, бобом Нодиршоҳ дин ишларини таҳқиқ қилиб, аҳли суннат ва-л-жамоатга ривож берди, қизилбошларни ҳайдаб, йўқ қилди. Лекин у тоифа фурсат топиб, Курдистон мамлақатидан бўлган Хайушон манзилида бу пок қалбли шахриёрни шахид қилди. Биз шу кундан эътиборан аҳли суннат ва-л-жамоатга риоя қилиб келамиз. Ҳозирги пайтда нобакор Муҳаммадхон мамлақатимизни ғзаб ва жабр билан эгаллаб олди. Кўр бўлиб олган отамизни шахид қилди. Бизлар ватан ва мамлақатимизни ташлаб, қочиб, ислом аҳлиға қўшни ва яқин жойға келтирибмиз. Шу кунларда бу камина ўз бародарлари билан Қобилға йўл олганмиз. Икки кўзимнинг қароси, подшолик кўзининг қуввати Имомқули мирзо ва Ҳайдар мирзоларни сизни ҳузурингизға меҳмонга жўнатдик. Умидимиз шуки, лутфу марҳаматингизни бу ғариблардан дариг тутмагайсиз, ёрдам ва аскар билан сарафроз қилгайсизки, шояд Машҳадни қочорлар қўлидан олсалар. Агар ғалаба юз берса, танга ва хутбани сиз жанобнинг номиға қилурмиз, ўзимиз эса сизга итоат қилувчилар ва мансуб кишилар қаторидан ўрин олурмиз. Вассалом].

Нодир мирзоға Замоншоҳ ибн Темуршоҳ ҳурмати лойиқи ила Пешовар шаҳрида маскан ва вазифаи кифоя тайин қилди. Имомқули ва Ҳайдар мирзо 1212/1797-98 сана отасининг аризаси ва Шоҳ Маҳмуднинг мактуби ила Марв йўли бирлан Бухороға дохил бўлганда, минора тагидин жой тайинлаб бир йил муддат турғондин кейин маълум бўлдиким, турғон била ҳеч имдод ва баҳра ҳосил бўлмас, Ҳиротға ружуъ қилмак учун ижозат сўраб Ўткур сўфи вазир воситаси ила баҳазор машаққат мураҳхас бўлуб, Муҳаммад-Амин *тўпчибоши* тахти раёсатида Марвға қараб азимат қилдилар. Лекин амир Шоҳмурод хуфиёна *тўпчибоши*ға дарёи Жайхунда ғарқ қилмакға амр қилди. *Тўпчибоши* шахзодаларни манфаатдин қолғон эски қайиқға ўлтурғузди. Алар бу хиёнатға мутталиъ бўлуб икки машк топиб дам қилиб қайиқ ғарқ бўларда ҳазор машаққат ила машқлар бирла соҳилға чиксалар ҳам, *тўпчибоши* аларни Чоржўй қалъасиға тўхтатиб, сурати ҳолни амирға маълум қилди. Шоҳмуродхон Урганч хони Элбарсхон набираси Қозоқ тўрани ҳозирлаб, Нодиршоҳ сани бобонгни қатл қилғон эди. Сан Чоржўйға бориб, анинг набираларидин қасос олгил, анинг асбобларини санга инъом қилдим, деди. Қозоқ тўраси Чоржўйға бориб, Жўйбор ҳокими Оллоҳқулибек қўлидин шахзодаларни олиб, анвоъи уқубатлар ила ҳар иккисини қатл қилди. Шоҳмуродбийнинг бу иши ниҳоятда қабих бўлганлигининг ўз мамлақати уламолари ва халқи орасида таън ва маломатға сабаб бўлди.

Шоҳмуродбий 1215/1800 санада жумъа кечасида, ражаб ойининг ўн учунчисида (30 ноябрь) олтмиш уч ёшида вафот қилди. Дафн қилинмай, уч кун тўхтатилиб, Қаршида ўғли ва вали аҳди амир Ҳайдар келиб, жанозасини ўқуб, душанба куни кечқурун Бухоро шаҳри ичиға дафн қилинди. Ўзидан кейин уч ўғли қолди. Амир Ҳайдар волиий Қарши, Носирбий волиий Марв, ва Ҳусайнбий волиий Самарқанд эрди. Шоҳмуродбий зиёда сўфий, дохили сулук ва муравважи шаръи шариф, таоми ўз касби ҳалолдин эди. Пичокни қини[ни] ясаб, сотиб, ҳосил қилғон касбидин ақл [таом] қилур эди. Бухорода бўлғон мадрасаларнинг авқофини жорий қилиб, аҳли илмнинг эъзоз ва икромини бажо

келтуруар эди. Бухорода Гулобод кўчасида мадрасаи Амир демак ила машхур бир кичикроқ мадраса бино қилди. Асрида Бозорхўжа ном маҳаллада Муҳаммад-Амин *тўпчибоши* ҳам бир мадраса бино қилди. Аҳли Бухоро эътиқодича бешак «валийи мужаддади алф миа» дер эдилар. Лекин ўшал вақт шайхларидин эшон Халифа Ниёзқули ат-Туркманиға махсулаб таёрлаган таомни ул халифа емас эканлар. Мулло Хидоятуллоҳ нақлига қарағонда Қози Тарсун Боқий ибн Абдурахим ал-Бухороий ерлардин танобона олмоқ бидъатини ихдос қилди, золим дер экан. Баъзи нақлга биноан эшон Мусахон ибн Исохон Даҳбидий бир вақт ёронлари ила бир ерга борар вақтда орқасидин Шоҳмуродбий аркони давлати ила келиб, етганда, бошиға ридосини бурканиб, юзини девор тарафиға кўйғон сабабини атбоълари савол қилганда, «золим мани кўрмасун ва ҳам мани кўзум анга тушмасун» деган жавоб берибдурлар.

Андин кейин ўғли амир Ҳайдар отасининг жанозасини ўқуб, дафн қилғондин кейин аркга чиқиб, тахтга ўлтуруб маросими байъат ижро қилинди. Отасининг авохири умрида ораларида андак кудурат воқий бўлуб, Қаршиға волий қилиб юборган эди. Лекин Ўткур сўфи ва Хўжа Содик *қизлар оғаси* барча мутасаддиларни қайд қилиб, маййитни аркда тўхтатиб, Қаршиға, амир Ҳайдарға хабар юборди. Эртаси, жумъа куни шаҳар аҳолисиға аҳвол маълум бўлуб, Шоҳмуродбий бародарларидин Умарбий ва Маҳмудбий ва Фазлбий мусаллаҳ бўлуб, жамияти кассира илан Регистонға келиб, номози жумъадин илгари аркга ҳужум қилғон бўлса ҳам Муҳаммад-Амин *тўпчибоши* ва қози Фазл жамъ бўлғон халойиқларға ҳазрат амир осийларни торож қилурға буйурадурлар деб овоза қилғонда Умарбийнинг уй асбоблари халқ тарафидин торож қилиниб, ўзи авбошлардин қочиб, Миёнкол тарафиға кетди. Ўткур сўфининг бу саъй ижтиҳоди учун они *қўшбегилик* мансабида барқарор қилиб, ўғли Ҳакимбийни волийи Қарши қилди. Фазл ва Маҳмудбийлар ва волийи Кармина Куёвхўжа иттифоқлашиб амирға осий бўлуб, Панжшанба ва Каттакўрғон ном шаҳарни забт қилдилар. Шаҳрисабз ҳукмдори Ниёз-Алибек ҳам уларға мувофақат қилди. Амир Ҳайдар уларнинг устиға кўшун тортиб борғонда, Куёвхўжа Шаҳрисабзга ва Маҳмудбий Хўқандға қочиб кетдилар. Фазлбий авлод ва тавобиотлари ила дастгир ва мактул бўлдилар. Ондин кейин Самарқанд волийси Хусайнбийнинг Шаҳрисабз ва Хўқанд бирла иттифоқ бўлушган хабари шойиъ бўлуб, они ушланиб, Бухороға келтурулуб, иттифоқ бўлғониға инкор ва қасам қилса ҳам бир неча нафар хизматкорлари мактул бўлуб, ўзиға тараҳхум юзасидин гўшанишин айлаб, кунлик вазифа муқаррар қилиб, ўрниға Давлат *қўшбегини* волийи Самарқанд қилди. 1219/1804 санада амир Ҳайдар Ўратепаға кўшун қилиб борди. Ўратепа волийси инод қилмай ҳадя ва тортуғ ила истиқбол қилғон эди. Бо вужуд тазвир ила бир одамни хундор қилиб, сохта баҳона ила қатл қилиб, шаҳарни забт айлаб, Қобилбек ибн Ўткир сўфини анда волий қилди. Халқ бу иш учун кўп ранжидахотир бўлдилар. Шу йили Мир Аловуддин ном бир зотни Московға элчи қилиб юборилди. 1221/1806 сана Хоразм хони Элтузархон Бухоро атрофини талон-торож айлаб, эллик минг кўй ва бир неча минг туя олиб кетди. Яна бир неча маротаба келиб, Бухоро атрофини ғорат қилди. Бу сабабдин Бухорода шўришу паришонлик пайдо бўлди. Охири амир Ҳайдар Хоразм устиға ўттиз минг аскар юборди. Бу хабарни эшитиб Элтузархон ўн икки минг аскар илан Жайхун дарёсидин Бухоро тарафиға қараб ўтуб, икки кўшун бир-бирлариға муқобил бўлғонда Хоразм кўшуни тайёр бўлолмаганидин саросима бўлуб, Элтузархон бошлук кемага тушуб қоча бошлаганини кўруб, аксар Хоразм кўшуни кемага тушармиз деб ҳужум қилғонда кема ботиб, ҳамма ҳалок бўлуб, дарёнинг усти ҳаммаси қаро бўрк бўлуб кўрунди. Бу воқеада Элтузархон ўзи ва аҳли байтидин Ҳасанмуродбек ва Жонмуродбеклар талаф бўлуб, улуг бародари Қутлуғмуродбек ила бошқа саркардалар асир бўлди. Оларни бир ҳафта тўхтатиб, қасами муғолаза илан Қутлуғмуродни *иноқ* ва волийи Хоразм қилиб юборилди. Аммо аҳли Хоразм анга рози бўлмай, Муҳаммад-Раҳимхонни хон қилдилар. Қутлуғмурод амирға мактуб ёзди, ман аҳдимда собит ва устуворман лекин, аркони давлат ва фуқарою уламо, сулаҳо ва аҳли мамлакат бародарим Муҳаммадраҳимға байъат қилиб, ман келмасдин илгари хон қилибдурлар. Мани даҳлим ва эътиборим йўқлигини рози бўлдим, деб.

Маҳмудшоҳ ибн Темуршоҳ бародарлариға ғалаба қилиб, Кобулда подшоҳ бўлғанда, Замоншоҳ одами фозил ва оқил ва мусохибу муҳиб уламо эди. Бародари Маҳмудшоҳнинг сўзини қабул айлаб, онинг инқиёд ва итоатиға дохил бўлди. Маҳмудшоҳ камоли эҳсон ва раия ва тамоми ҳурмат вазифаи йавмия тайин айлаб, ҳар муддаосини ҳосил қилур эди.

[У] 1231/1815 санада ҳарам ва авлоди, хадаму атбоъи ва филлари илан Балхга, ҳазрат Шоҳмардон зиёратлариға келди. Балх ҳукмдори Қилич-Алихон истиқбол қилиб, иззат ва эҳтиром бирла, меҳмоннавозлик кўрсатди. Йигирма кун турганда амир Ҳайдар таклифи илан Бухороға келди. Амир ани кўп эъзозу икром айлаб, ҳар бир ойга икки юз тилло вазифа муқаррар қилиб, кечалари худди амир ул меҳмоннинг ҳузуриға бориб, тасалли бериб, суҳбат қилур эдилар. Шаҳзоданинг ўн тўрт

ёшида бир зебо қизи бор эди. Ани амир сўраганда шахзода узр кўрсатди. Амир: «Қизга эр лозим, мандин авло қизингга эрни қайдин топарсан, болиға қизни шахар ба шахар олиб юрмоқ мувофиқи шаръ эмас, ва яна Балхни олиб санга берурман» деб ваъда қилди. Шоҳ Замон қизни жабран олмоқни фаҳмлаб, хомтамаи Балх ва комталх ила қазоға рози бўлуб, қизни бермоқ бўлди.

Амир йигирма минг бухорийзарб тилло пул ила ҳар жинс либос ва анвойи асбоб тайёрлаб юборди. Аммо қиз либосларни киймай ва асбобларни қабул қилмай, ўзининг либос, асбоб ва жавохиротларини ўзиға дар бар қилди. Муни кўруб, аҳли Бухоронинг ақли хира ва кўзлари тийра ва хайрон бўлдилар. Шоҳ Замон бир неча вақт Бухорода умидворлик илан туруб, кўрди. «Овози духул шунидан аз дур хуш аст» [катта нағоранинг овози узокдангина ёқимли эшитилади] мазмунича, ҳеч бир мадад ва истионат ва риоят кўрмади. Би-л-охир маънос бўлуб, Ҳиротға ружуъ қилди.

Амир Ҳайдарнинг охири асрларида Урганж хони Муҳаммадраҳимхон ва Шаҳрисабз ҳокими ва Хитой қипчоқ тоифалари амир Ҳайдар муқобилиға ёв бўлуб бир неча маротаба муҳорабалар воқеъ бўлуб, охири дафъ қилиниб, тасалли топгандин кўп ўтмай умри тамом бўлуб, 1242 санада ўн учунчи рабби ул-аввалида, чаҳоршанба куни [16 октябрь, 1826] вафот қилиб²⁴⁵⁴, жанозасиға қози Абу-л-Ҳасан имоматлик қилиб, вазири Ҳаким *қўшбеги* бино қилган мадрасаи Олия демак ила маъруф мадраса жуворида бир ҳужрада дафн қилинди. Волидаси Шамсмоҳ бинт Абу-л-Файзхон эди. Раҳимхондин қолғандин кейин Шоҳмуродбий олғон эди. Бинобарин, ҳукуматининг аввалги вақтида истеъмол қилғон муҳри бу тариқа эди.:

Насли Чингиз, Оли пайғамбар, азизи Мисржоҳ,

Вориси тахт ғози Мир Ҳайдар подшоҳ.

[Чингиз насли, пайғамбар хонадонидан ва Мисрнинг шавкатли азизи,

Покиза ғозийнинг меросхўри Мир Ҳайдар подшоҳ].

Иккинчи муҳрида:

Зи баъди Абу-л-Файз хони шахид,

Шаҳу тахти шоҳи ба Ҳайдар расид.

[Шаҳид бўлғон Абу-л-Файзхондин кейин

Шоҳлик тахти Ҳайдарга тегди].

байтлари ила мусажжаъ эди. Бунга бино қилиб, даъвийи саййидот ва авлоди чингизият ила Абу-л-ғозихон хутба ва сиккасини қатъ қилиб, ўз номиға қилди. Аҳёнан баъзи жумъадаги хутбада имом бўлганда «Аллоҳума арҳам ал-амир ал-қабир ал-марҳум» деб оталарини дуо қилар эрди. Эшон халифа Ниёзқулининг жанозасиға ҳозир бўлуб, хусусан мазкур зотнинг қойим мақом сажжодалари бўлғон халифа Бозорнинг вафотида жанозасиға ҳозир бўлуб, қабр бошиға бориб, сураи «Таборақ» ўқуди. Унинг асрида Хўқандда Умархон ҳукмрон бўлуб кўп фозил ва шуароларни йиғиб, мажмуъ аш шуаро(дин) мажлис ташкил этган эди. Умархон шуароларидин Мирзо Жунайд Умархон номидин ушбу мисрани машқ қилғон экан:

Сазад ки мири Бухоро мутеи ман гардад,

Умар ба амри хилофат муқаддам аз Ҳайдар.

[Бухоро амири менга итоат қилса арзийди,

Негаки Умар халифалик ишида Ҳайдар (Али) дан олдиндур.

Бу байт амир Ҳайдарга масмуъ бўлуб, бир неча вақтдин кейин мирзо Жунайд Бухороға бориб, амирға манзур бўлғонда амир мазкур байтни онинг ёдиға солди. Мирзо Жунайд фи-л-бадиҳа:

Сарам хоки раҳи ҳар панж сарвар,

Абу Бакру Умар, Усмон, ду Ҳайдар.

[Бошим бешта сарвар йўлининг тупроғи бўлсин,

Улар – Абу Бакр, Умар, Усмону яна икки Ҳайдардир], деган эдим деб жавоб қайтариб, бо вужуд амирдин ваҳмнок бўлуб, фурсат топиб, Шаҳрисабзға қочиб келди.

Шаҳрисабз волийси кўп ҳурмат кўрсатиб, мирзонинг ётадургон хонасиға қанча посбон қўйса ҳам, амир тарафидин юборилган қотиллар бир кеча фурсат топиб ўлдуруб, бошини олиб кетди деган афвоҳи носда машхурдир. Шаҳид бўладурғон кечада мирзо Жунайд бир ғазал айтган аввалги мисраи шулдир:

Ман он мурғам, ки на бисмил шудам на зеби фитроке,

На аз хунам замин олуда шуд на домани поке.

[Мен бир қушманки, на сўйилганман ва на эгар қанчиғасига осилганман,

²⁴⁵⁴ Мажмуа-йи мактуботи саййид амир Насруллоҳдаги бир мактубда амир Ҳайдар вафотини 4 рабиъ I 1242/6 октябрь 1826 деб кўрсатилган.

Қонимдан на ер бўялгану на бировнинг этаги].

Амир Ҳайдар марҳумдин Ҳусайнхон, Умархон, Абдуллоҳхон, Насруллоҳхон, Баҳодирхон, Забирхон ва Жаҳонгирхон номида ўғуллари қолди. Аммо уларнинг аксаридин нохурсанд, ораларида кудурат ва ваҳшати комил эди. Отасининг асрида Қарши волийси эканида Мулло Миракхон Ан-Насафийдин таълими илм қилиб, Бухорода мулло Фахриддин ибн Иброҳимдин ахзи қироат қилиб, хофизи Куръон бўлгон эди, деб халқ орасида машҳур эди. Гарчанд, нитоқи мулку давлати заййику қосир ва қуввати тасаллут ва иқтидори заиф ва фотир бўлса ҳам умури мамлакатни халифаи бани Аббосия услубида, хусусан, Ҳорун ар-Рашидга тақлид қилур эди. Турк султонларидин султон Ал-Маҳмуд ибн Абду-л-Ҳамидхонни халифа деб изҳори итоат қилур эди. Хотинлар бирла мушоираси ғоят даражада кўп эди. Андек таъриф тавсифни эшитган қизларни никоҳлаб олиб, бир кеча ётиб, талоқ қилур эди. Ҳаттоки, Кобул шаҳзадаси Шоҳ Замон, Ҳисор волийси Саййидбий, Шаҳрисабз волийси Содикбий ва бошқа ақобиру аъёни вилоятлариға шул тарика муомалалари кўп бўлди. Аҳли илм ва талабаға муҳаббат ва суҳбат айлаб, оларға закот бериб, ихтилот айлаб, дарс этмакка рағбат қилиб, ўз арки ўрдаларида вақти муайянларда толиби илмларға дарс этмак ва улар бирла мажолисот ва китобхонлик қилмак бирла машғул бўлур эди.

Тақарруб ва тараққий талабида зурафо ва азкиялардин Маҳмуд Ғани демак ила маъруф мулло Абду-л-Азиз ибн Абду-л-Ғани ва Мулло Ҳожибой ибн Сафар ал-Муҳаммадий ва Мўминхўжа Вобкандий ва мулло Ҳусниддин ибн Башир Туфторий ва мулло Абду-л-Ғаффор ибн Саид аш-Ширвоний ва буларға ўхшаш зотлар ҳузурларида дарсхон ва истимоъ қилиб, халқи кассир жамъ бўлуб, илм ва фазл бирлан машҳур эди. Ҳоли ҳаётида бир кичикроқ мадраса бино қилиб, мадрасаи Амир ва Олийча демак ила машҳурдир. Онинг асрида савдогарлардин мулло Турсунжон ном бир зот 1220/1805 санада Бухорода бир катта мадрасаға шуруъ айлаб, итмомиға умри вафо қилмай, амирни васий қилиб, итмомиға етқузулди. Доимо уч нимарсага афсусу надомат қиламан, бири, гўё Хўжани ўлдурғонимға, Мулло Насриддин ал-Қурсовий илан Хўқанд хонининг *сар аскар*и Ражаб Ғалчани ўлдурганимға деганлигин нақл қилур эдилар. Қозийи калон Мавлавий амирни вафотидин кейин амири Саъид таъбири илан шаҳарларда ҳам бу исм ила мазкур бўлуб, баъзи хатиблар «аллоҳума арҳам ал-амир ал-кабир ал-маъсум ва-л-амир ас-саъид ал-марҳум» деб жумъа хутбаларида зикр қилур эди, раҳматуллоҳи алайҳ.

Ондин кейин катта ўғли амир Ҳусайн подшоҳ бўлди. Онаси тарафидин Саййид Жўйборий хўжаларға насаб эрди. Амир Ҳайдарнинг вафотидан кейин Ҳаким *қўшбеги* Баҳодирхонға муҳаббат юзасидин Қаршиға махфий одам юборса ҳам, амир Ҳусайн Бухорода ҳозир бўлган ваҳддин тахтға жулус қилди. Баҳодирхон Бухороға яқин келиб, бу хабарни эшитиб амир Ҳусайнға муқовамат қилолмай, хавф ва хосир ружуъ қилди. Лекин, амир Ҳусайннинг муддати салтанати кўп узок бўлмай, масмуман вафот бўлди. Бу хусусда Ҳаким *қўшбегини* муттаҳам қиладурлар. Амир Ҳусайн шужоъ ва соҳибҳиммат, ғоят сахий ва заки ут-табъ, фозил ва оқил, фаҳим ва саъхдўст, мусофирнавоз ва раиятпарвар ва жаммоъ ул-кутуб эди.

Отаси асрида бир оз вақт волийи Кармина ва волийи Самарқанд бўлди. Хуфя хайроти кассира ва атою эҳсон қилур эди. Баъзи нақлга биноан, юз тилло ва минг тиллои Бухорийни адно одамиға инъом қилур эди. Бинобарин, отаси норози бўлуб, назардин тушуруб, волийи Кармина қилиб, ўн минг тилло кифоя қилмас эди. Анинг заъмиға отаси Баҳодирхонға изҳори муҳаббат ва ундин таржиъ айлаб, Бухорода ўзиға ниёбатни таъвиз қилди. Амир Ҳусайн икки ярим ой муддат ҳукмронлик қилиб, 1244 йигирманчи жумоди I/1828 йил, 29 ноябрь Бухорода вафот қилди²⁴⁵⁵.

Андин кейин бародари амир Умар подшоҳ бўлди. Амир Умар бародари амир Ҳусайн асрида Кармина волийси эди. Амир Ҳусайн бетоб ва ҳаётидин маюс бўлуб Баҳодирхон истилоси ила аҳл авлод ва бародарлари тамом ҳалок қилмақ хавфи ила Умархонни тақлиф айлаб Баҳодурхон ва Ҳакимбий рағмиға Бухоронинг хорижида сокин бўлмоқға амр қилди. Амир Ҳусайн таслими руҳ айлаб вафот қилғонидин кейин амир Умар шаҳарға дохил бўлуб, жулуси тахт ва лобиси тож бўлди. Лекин, подшоҳликда кўп узамади. Доимо шаробу хамр, лаҳву лаабға мудовим ва мулозим бўлуб, хифзи мулку давлатни ҳеч бир эътибор ва илтифотға олмади. Бу фурсатдин истифода қилиб, Баҳодирхон Насафдин чиқиб Самарқандға дохил бўлуб, кўп катта қўшун жамълаб келиб, Бухорони муҳосара қилди. Шул муҳосара вақтида ҳам маскаратни тарк қилмай, доимо маст ҳолда экан. Ҳаким *қўшбеги* саъйи ва эҳтимоми ила шаҳарнинг бир дарвозаси очилиб, Баҳодирхон Бухороға дохил бўлуб,

²⁴⁵⁵ Садри Зиёнинг маълумотиға қараганда Амир Ҳусайн 1242 хижрий йили, 17 рабиъ I/ 1826 йили, 20 октябрь, 30 ёшида оламдан ўтган экан. Қаранг: Муҳаммадшарифжон Садри Зиё. Мажмуа. // Қўлёзма, Абу Райхон Беруний нмидаги Шарқшунослик институти, № 2193. 198^a.

амир Умархон подшоҳларнинг оналарининг уйиға махфий бўлуб, *нақиб* шафоати илан қатл қилинмай, Хўжажон демак ила маъруф қози Муҳаммад-Шариф ибн Атоуллоҳ хўжа бир отнинг орқасиға миндуруб, аркдин чиқорда авом ун-нос билиб қолиб либосларини торож айлаб, ёлғиз иштони ила қолди. Икки кундин кейин Бухородин чиқиб кетиб, Ҳиротға бориб, Комроншоҳ ибн Маҳмудшоҳ ҳузурида бир муддат туруб, андин изну ижозат олиб, Фарғона дор ул-мулки Хўқандға, Муҳаммадалихон ҳузуриға келиб, 1245/1829 санада вабо касали ила вафот қилиб, жасадини Бухороға келтуруб, мозори шарифда бобоси Дониёлбий ёнида дафн қилинди. Фақат бир сағир ўғли қолиб, ул ҳам бир оз вақтдин кейин вафот қилди. Мулло Мирзо Солиҳ ибн Назар-Муҳаммад Ал-Хўжандийға амир Насруллоҳ подшоҳининг жанозасини ўқуб дафн қилсун деб юборгани халқ орасида машҳурдир. (Мулло мирзо Солиҳ Бухоро муҳосарасида амир Умар тарафидин фатво ёзиб, амир Насруллоҳнинг боғии муфсид ва осий деб ривоят қилиб, муҳр босганлар жумласидин бўлгани учун бир сарзаниш ва таҳқир ва истихфоф юзасидин айтгандир. Ва илло жаноза ўқулган ва чириб фарсуда бўлгон майитға жаноза лозим эмас) эди. Андин кейин бародари Амир Насруллоҳ Баҳодурхон подшоҳ бўлди. Онаси амир Ҳайдарнинг соҳиби хусну жамол ва соҳиб фаросат жорияси ва маҳбубаси эди. Амир Насруллоҳ Бухороға подшоҳ бўлгандин²⁴⁵⁶ кейин бародар ва ақорибларини тамом маҳв ва нобуд қилди. Забир ва Жаҳонгир тўраларнинг волидалари Жўйборий хўжалардин эди. Уларни Чоржўй тарафиға юбориб, иёдом қилди. Ақобири давлатлардин Ҳаким *қўшбеги* ва Исматуллоҳбек ва Аёзбекға ўхшаш бир неча улуғ мартабадаги одамларни қатл ва амволларини ғорат қилди.

1254/1838-39 санада Кобулға инглиз истило қилиб, амир Дўст-Муҳаммадхон матруд ва мунҳазим бўлуб, Балхга келди. Балх ҳукмдори анинг иззат ҳурматини бажо келтуруб, бир неча муддат турғондин кейин амир Насруллоҳ таклифи илан уч минг кишилиқ ҳамроҳи ва авлоду атбоғи ва фил бирлан Бухороға келди. Афзалхон ном ўғли жамил ус-сурат, сабиҳ ул-худур, шаййиқ ул-қад эди. Анга Насруллоҳнинг майл ва рағбати тушуб, суҳбатига олмоқ бўлуб, талаб қилиб, одам юборгон эди. Амир Дўст-Муҳаммадхон зиёда ору номус айлаб, ҳаммият ва ғайрати афғониясиға така қилиб, ўғлини бермади. Икки орада зўр кудурат ва ваҳшат пайдо бўлди. Ҳаттоки, Дўст-Муҳаммадхон ўзи илан биргалашиб турган авлоду бародарлари ва ақобиру атбоғи илан аркға дафъатан ҳужум қилмакни қасд қилғони халқ оғзида машҳурдир. Дўст-Муҳаммад фил олиб келиб, амир Насруллоҳға ҳадя қилгон эди, амир ани ўзиға қайтариб юборди. Дўст-Муҳаммадхон ижозат олиб, ҳажға бормоқ бўлуб, авлод ва атбоғи бирлан Бухородин чиқиб, Жайхун дарёсиға етганда амир Насруллоҳ бир неча одамни муаккил қилиб, дарёға ғарқ қилмак ёмон ниятини фаҳмлаб, бизни ҳалок қилмак қасди бўлса, ошкора халқ ичида ўлдурсун, бу тарика ғадру жиноят бирла ўлдурмасун деб, Дўст-Муҳаммадхон Бухороға қайтиб келдилар. Бир неча вақт Бухорода беқадру безътибор, хору залиллик ила туруб, ноилож беижозат Бухородин чиқиб кетиб, Шаҳрисабз сарҳадиға етушганда, амир Насруллоҳ орқасидин аскар юбориб, олар етганда амир Дўст-Муҳаммадхон бир боғча ичиға кириб камалиб, муҳораба қилишиб, икки орада кўп киши талаф бўлуб, охирида Дўст-Муҳаммадхонни ушлаб, Бухороға олиб қайтдилар. Андин кейин Дўст-Муҳаммадхон Бухорода атбоғларидин айрилиб, ёлғуз қолиб, зиёда фақру фоқаға мубтало бўлуб, маҳаллаи Мираконда, ҳазрат Миён Қодир Соҳибзода эшон ҳузурларида авқот гузаронлик қилиб, яна асбоби сафар ва руфақоларини муҳайё айлаб, ҳазрат Соҳибзоданинг нафаси кимё асарлари илан кеча(си) шаҳар дарвозаси ёпилмасдин муқаддам хотунлар либосида, хуфёна шаҳардин чиқиб кетиб, Шаҳрисабзға борди. Шаҳрисабз волийси Хўжамқулибий эъзозу икромини бажо келтуруб, хоҳлаган жойиғача яроқ-аслаҳа бериб узатди. Дўст-Муҳаммадхоннинг давлати янадин ружуъ айлаб, Кобулда подшоҳ бўлуб, Ҳирот, Балх, Қандаҳорларни атроф-жониби илан забт ва мусаххар айлаб, инглиз билан мусолиҳа қилғонини амир Насруллоҳ эшитиб, кўп хавфу ҳарос ва андишаға тушубди. Амир Насруллоҳ Дўст-Муҳаммадхоннинг паришонлик асрида лашкар тортиб, Балхға бориб, ани тасхир айлаб, ҳукмдори бўлиб тургон Солиҳхўжа ном зотни қабз қилиб, амволу ашёсини торож айлаб, ўзини Бухороға асир қилиб олиб келиб, анвои азоб ва шиканжалар ила талаф қилди. 1252/1836-37 санада Фарғона хони Муҳаммадалихон бирла ораларида Пешоғар ном қалъа таъмири хусусида мунозаат бўлди. Ул вақтда Эрон асирларидин жамъ қилиб, Бухорода бир неча юз низомий аскар ихтироъ қилинган эди. Ўшал вақтда бул тарафларда Бухородин бошқа мавзеларда асокири низомия ҳеч бир бўлмаган эди. Пешоғар қалъаси мунозиъи ва ҳам бошқа сабаблар ила амир Насруллоҳ Баҳодирхон қўшун жамълаб, Фарғона ўлкасиға юруш қилиб, низомий аскарлари бирла осонлик билан Пешоғарни истило қилиб, андин Ўратепа ва Хўжанд шаҳарлариға дохил бўлуб, андин дор ул-мулки Фарғона бўлуб турган

²⁴⁵⁶ Садри Зиё бу жулус тарихини пайшанба куни, рамазон ойи, 1242/ 29 март, 1827 йили деб беради. Қаранг: Муҳаммадшарифжон Садри Зиё. Мажмуа. // Қўлёзма, Абу Райҳон Беруний нмидаги Шарқшунослик институти, № 2193. 198^a.

Хўқанд устиға келиб, Хўқанд шаҳриға дохил бўлуб «инна-л-мулука иза дахалу қарйатан афсадуҳа ва жаъалу аъиззата аҳлиҳа азиллат» [...аниққи подшоҳлар қачон бирон қишлоққа (бостириб) кирсалар уни вайрон этурлар, аҳолисининг обрў-эътиборларини эса хор-зор қилурлар] деган сураи «Намл» 35-оятининг мазмунича Муҳаммадалихон ва бародари Султон Махмудхонни ва волидаси-ю аҳли аёли, атбоъ ва аркони давлат ва аъёни мамлакатини тамом қатл қилиб, Фарғона шаҳарларидин аскарини талон-торож айлаб, кўзга кўрунган хазина ва дафина, асбоби сипоҳигари аслаҳаларидин тўпу тўпхонасини ва Фарғона уламо ва машойихларидин Бухороға юбориб, Хўқандда ўн кун туруб, Самарқанд волийси Иброҳим *парвоначини* Хўқандға волийи мухтор, хаттоки, «хукми ба қатл»гача изну ихтиёр бериб, мазкур йилнинг рабби II ойида амир Насруллоҳ Бухороға ружуъ қилди. Иброҳим *парвоначи* ҳам Хўқанд аҳолиларидин аксар кўзга етарларини қатл ва талаф қилиб, муҳораба вақтида қилгон қатлу торожидин бошқа неча сағир, маъсум ва бегуноҳ зуафоларни андак баҳона илан хайвондек ётқузуб сўйдилар. Амир тамоми кибру ғурур илан эмди манга аҳаде муқобила қилолмайдур деган хаёлда бўлди. Яна бухороликлар ҳам: «Бизнинг амиримиз жаҳонгир, оламни эгалловчи бўлди. Ҳозирги вақтда ўрусни олади, сўнг Исломбўлни эгаллайди», - деб тафоҳур қилур эдилар.

Ондин кейин Фарғона аҳолилари бухорийларнинг ёлгон шуҳратлариға мағрур ва фирефта бўлгонларидин кўзлари очилиб, мусолаҳа ва бепарволик илан мамлакатларини берганликлариға афсусу надомат қилиб, иккинчи фикр мулоҳазаға тушуб, давлат ва аҳволи қадимларини соғиниб Мусулмонқули кипчоқ бош бўлуб, мақтул бўлган Муҳаммадалихон амакибаччаларидин Талос мавзейида, саҳрода, қирғизия орасида умргузаронлик қилиб тургон Шерали ибн Ҳожибекни олдуруб, хон кўтаруб, Хўқандға келиб кирди. Иброҳим *парвоначи* ба хазор машаққат қочиб, жонини халос қилди. Амир Насруллоҳ бу хабарни эшитиб, Фарғона хонлари ва аъёни мамлакатлари ва аркони давлати ва хазинаю асбоби муҳорабаси комил ва тайёр вақтида осонлик бирлан тасаллут ва ғалаба этганидин эмди зафар топмоқни андакгина фаҳмлаб, Фарғона аҳлини тамом қатли ом қилмак иродаси илан қайта-қайта қўшун тортиб борса ҳам, ул ўйлаган мурод ҳосил бўлмай, бир оий Хўқандни қамаб ололмай аскарға футур етиб, бирор иш қилолмай, қайтиб кетди. Яна икки маротаба шул тариқа қасд қилиб келиб, муродиға етолмади. Охирги сафариди ўратепа устиға борганда Мусулмонқули чўлоқ тўрт кишини амирға элчи қилиб, яна оларға икки кишини қўшуб, қўллариға бошқа-бошқа мактублар бериб, амир сўраган вақтда мактубларни берарсиз деди. Аммо тўрт элчига амр қилибдурким, амир Насруллоҳға бориб, етганда арз қилурсиз, бизлар элчи тўрт кишимиз, аммо йўлда бизга икки киши ҳамроҳ бўлди, уларнинг ким эканлиги бизга маълум эмас деб, амир Насруллоҳға борганда арзи ҳол қилиб, тафтиш қилинганда мактублар бири Шаҳрисабз волийсиға, бошқа бир неча мактуб амирнинг ёнидаги бир неча улуг даражадаги саркардалар номиға «аҳду иттифоқимиз бўйича биз хориждин Баҳодирхон аскарға ҳужум қилмоқчимиз, сизлар ҳам дохилдин аҳдингизға вафо қилурсизлар» деган мазмунда экан. Амир бу хатни ўқуб, дафъатан ул икки кишини қатл қилиб, хавфга тушуб, отланиб, Бухороға қараб қайтди. Мундин кейин Фарғона қайғуси қолиб, Самарқанд ва анинг атрофини муҳофаза қилмак фикрига тушди. Мусулмонқули бу макру хийла илан муродиға етиб, Фарғонани батамом Шералихон номидин забт ва рабт қила бошлади.

Шул вақтларда амир Насруллоҳнинг соқолиға оқ пайдо бўлуб, Хўқанд қартайтурди деган сўзини халқ сўзлар эдилар. Бу миёнада Урганж хони Оллоҳқулихон ибн Муҳаммад-Раҳимхон келиб, Бухоро тавобиотидин ғорат ва торож қилиб, кўп асирлар ва моллар олиб кетди. Иккинчи йил амир Насруллоҳхон Чоржўй шаҳридин ўтуб, Оллоҳқулихон устиға бориб, Фатанга ном мавзени забт қилиб, аммо муҳорабада асир тушганларни қатл қилмай, балки, би-л-акс уларға инъому эҳсон қилди. Бу воқеа илан урганжликларға хавфу харос тушди. Ҳазорасб қалъасини муҳосара қилиб турган аснода озук-овқат етушмаган сабабдин аскар орасида паришонлик юз келтуруб, муҳосарани ташлаб қайтдилар. Йўлда келадургон аснода орқадаги Ўрда бозор аҳолиси орқамиздин хоразмийлар келиб кетди деган хавф айлаб, амир Насруллоҳхон бир тепа устиға чиқиб, дурбин олиб, шошганидин кўзиға қўёлмаган важҳдин кўзига ёш олиб, ажалимиз бу ерда экан деб сўзлагани халқ оғзида машҳурдир.

1250/1834-35 санада Эрон тарафидин Абдусамад Табризий ном зот Бухороға келди. Ул одам доно ва фозил ва ғоятда ҳунарманд ва закий ва соҳиброй эди. Онинг саъйи ва далолати ила Бухоро мамлакатади бўлган Эрон асирларидин сотиб олиб ва бошқа важҳлар илан олиб, икки юзга яқин жамълаб, инглиз тартибида низомлик аскар тартиб қилиб ва бошқа уруш асбоблари ҳозирлаб, отларға таълим бериб, гарчанд адади оз бўлса ҳам яхши мунтазир аскар ихдос қилди. Бу сабаб ва бошқа сабаблар боис бўлуб, Фарғона заминиға малик бўлгон ўзбек хонларининг давлатини зеру забар қилиб, охири ажнабийлар мудохаласиға сабаб ва боис бўлди. Ушбу Абдусамад таълими илан Шаҳрисабз мамлакатидин Чироқчи ва Яккабоғ ном қалъалар тасхир қилинди. Абдусамадга *ноиблик*

рутбаси берилиб, амир Насруллоҳ наздида мақбул, ғоятда эътиборлик бўлди. Бир неча замондин кейин ҳассод ва душманлари кўпайиб, ҳар хил макруҳ тадбирлик сўзлар ила амир Насруллоҳни онинг хусусидаги ихлос ва муҳаббатини қайтариб, охир тўпхона раёсатини бир нодон жоҳил саркардага топшуруб, Абдусамадни унинг тахти фармониға қўйди. Абдусамад бу ишдин ғоятда ору номус қилиб, ниҳоятда кўнгли ранжиб, ораларида кудурат пайдо бўлуб, амирнинг ёмон ниятидин хавфу талошға тушуб, Бухородин қочмоқ фикри илан Шаҳрисабз ҳокими илан аҳду иттифоқ қилиб, амир Насруллоҳнинг Шаҳрисабз урушида Абдусамад ўз табааси ва тўплар ила амирдин кўп илгари кетганликдин амир ваҳима қилиб, тўхтамоқға амр бериб, киши юборса ҳам қулоқ солмай, кетиб турғонда амир кетидин аскар юбориб, Шаҳрисабзға яқин келганда, етиб, муҳораба қилиб, олиб қайтиб, они зиндонға солиб, охири муни ҳам қатл қилди. 1268/1851-52 санада Эрон ҳукмдорлари Муҳаммадшоҳ Қожор амакибаччаларидин нима сабаб бирла бўлсун Эрондин Шохруххон ибн Иброҳимхон Бухороға келиб, они Абдусамад Табризий хизматиға мубошир ва мутавалли қилиб, Қарокўлни инъом қилди.

1254 санаи хижрийда, 1838 милодийда Бухоройи шарифға амир Насруллоҳхон ҳузуриға инглиз ҳукумати тарафидин элчи бўлуб, полковник Сутуд Дорат/Сотдарт келган эди. Мундин буён инглиз ҳукумати биринчи дафъатан бошлаб, Моварауннаҳр ҳукумати илан муносабати дўстона турмоқға ният ва мубошарат этган эди.

Шул асноларда инглизлар афғонликлар ила муҳораба қилишиб, Афғонистонга кирган эди. Элчи бўлуб келгон Сутуд Доратнинг маслак ва муддаоси инглизлар тарафидин бирор турлик ёмон ният ва ё зарар келтурмасликға амирни ишонтуруб, бошқа давлатнинг, яъни Русиянинг бу мамлакатларға қасд ва тажовузидин сақламоқ ва мудофаа этмакни хоҳлагандин иборат эди. Мунинг ила баробар, агар амир хоҳиш қилиб, муносиб кўрса, Бухоро аскарини жаид ва тезотар тўплар ила силоҳлантурмак ва аскарый муаллимлар бермак ва Русиянинг хуфя ҳаракат муддаосидин Бухоро ҳукуматини хабардор этмак эди. Амир Насруллоҳ инглиз элчисини икки мартаба ҳузуриға қабул қилиб, яхши муомала кўрсатиб, баъд ул яхши муомаласини табдил қилди. Полковник Сутуд Дорат мирзохона ва котибхона тарбиясидин олган юмшоқ сиёсийонларда бўлмай, аскарый тарбия олмиш тўғри, жасур, қаттиғ ва ўткур бир одам эди. Мунинг учун Бухоронинг эски усули русумлариға ортуқ даражада диққат қилиб, зеҳн солмаган эди. Доимо элчихонадин чиқиб, Бухоро бозорларини томошо қилур эди. Аксар отлиқ юруб, Арки олий майдонидин яъни, Регистондин ўтар вақтда аҳли шаҳар одати бўйнича отдин тушмас эди. Ваҳоланки, амир турадиган Арки олий олдиндин ўтарда амирға эъзоз юзасидин отдин тушуб ўтар эдилар. Инглиз аскарари маъмури Бухоронинг бу тариқа эски одатларидин ғофил бўлур эди ва ёки бу тартибларға лозим даражада аҳамият бермас эди. Ҳар нима бўлуб амир Насруллоҳ элчиға ғазабланиб, зиндонға солмоқға фармон берди.

Инглисдек дунёда энг улуғ бир давлатнинг, дунёда энг қавми мутамаддин миллатнинг дўстлик робитаси келтурмиш ва муованат ваъда қилгон элчиси зиндонға солингон эди. Амир Насруллоҳ шул даражада қаҳру ғазаблик эдиким, ҳеч бир вазир рўбарўсиға келиб ишнинг номаъқулини айтолмас эди. Ул вақтларда Бухоро умаролари орасида Русиянинг ва инглизнинг ва аҳволи оламнинг нима эканлигини билган киши йўқ эди. Балки инглиз элчисининг ҳибс бўлғониға хурсанд бўлуб «бизим амир шул тариқа улуғдурким, бу тариқа шавкатлу инглиз элчисини зиндонға банд қилди», деган фикрлар ила тафохир қилур эдилар. Хусусан, мазкур йилларда амир Насруллоҳ Хўқандда, Хуросонда бир хил музаффариятға ноил бўлғонлигидин баҳодир, жаҳонгири замон ҳисоб қилур эдилар. Ҳар нечук бўлуб инглиз элчиси икки йилга яқин зиндонға етиб, андин озод бўлуб Бухорода тўхтатиб қўйилди. Бу ишдин хабар олиб, инглиз ҳукумати Русия давлатиға мурожаат қилиб, бошқа маслаҳат ила Бухороға юборилмиш Русия маъмури жаноб Бутақуф воситаси ила полковник Сутуд Дорат озод қилиниб, афғон сарҳадиға юборилмоғини талаб қилди. Бу хусусда жаноб Бутақуфга Питрограддин амр берилди. Лекин амир Насруллоҳхон Русиянинг илтимосиға ҳам қулоқ солмаган эди. Ҳаттоки, Русия элчиси Бутақуф жанобни ҳам кўп вақт ҳузуриға қабул қилмай, амир Хўқанд сафариға чиқадурғон куни жаноб Бутақуфни талаб қилиб, от устида кўрушуб қолди.

Амир Насруллоҳхон асрида бир тарафдин Русия ва инглиз Моварауннаҳрға кўз тикиб, бир-бирларидин махфийча Бухоро ила муносабат пайдо қилмоқға қарор бермиш эдилар. Русияларнинг оҳиста-оҳиста Ўрунбурғ ва Сибирия тарафларидин ҳаракат қилиб келганини инглизлар билиб, Ўрта Азиядаги хонларнинг кўзларини очмоқ ва муқобалаға иқтидорлик этмакға қарор берган эди. Инглизларнинг бу ниятлари Моварауннаҳр халқиға дўстлик ва муҳаббатдин бўлмай, Русиянинг Эрон ва Афғон ҳудудлариға яқин келганлигини хоҳламаганлигидин эди. Амир Насруллоҳхон умаро ва вузаролари Русиянинг азиматидин ва матлабидин беҳабар бўлуб, буларға қарши кўп ғофилон ва жоҳилон иш кўрсатди. Бу миёнада Бухоро-Хўқанд муҳобараси бошланди. Бухородин амир Насруллоҳхон ва Музаффаридинхон, Фарғонадин Муҳаммадалихон ва Худоёрхонлар бир-бирлари

илан манманлик даъвоси ва муҳораба ғавғоси қилгон вақтларида Русия фирқалари Туркистон, Авлиё ота, Чимканд, ҳаттоки Тошкандғача етушган эдилар. Бо вужуд алар ғафлатдин кўз очмаган эдилар. Хонлар бир-бирлари илан уруш-талаш қилиб тургон вақтларида инглиз ҳукумати дўстлик робитаси пайдо қилмоқ учун элчи бўлуб полковник Сутуд Дорат ва Хўқанд ила Хиваға мойур Қонулли жанобни юборган эди. Бу элчиларға қилинмиш муомала кўп ажойибдур. Амир Насруллоҳхоннинг от устида, арк дарвозасининг ёнида куҳансол Русия элчисига кўруниш бергани ҳақоратдек муомаласи эди. Лекин Моварауннаҳр усули идорасига ошно бўлгон Бутақуф жаноблари гўёки ҳеч нимани билмаган ва англамагандек сукут қилди. Инглиз элчиси ҳибсада қолиб, Русия элчиси Русияға қараб қайтди. Бухороға келган инглиз элчиси орқасидин яна капитан Қонулли аввало Хиваға бориб, ондин чет йўллар ила юруб Хўқандға келиб, Муҳаммадалихон ила кўрушган эди.

Муҳаммадалихон инглиздин бир оз усули ҳарб ўрганмакни қабул қилмиш эди. Лекин кўп вақт ўтмай, Бухоро аскарлари етушуб, Муҳаммадалихон аскарлари Марҳам (деган жой)да бузулуб, қочгон вақтда капитан Қонулли Насруллоҳхон даъвати ила амирнинг Маҳрамда бўлгон ўрдугоҳига бормангиз деса ҳам номуслик инглиз қочмоқға таназул қилмай, амир Насруллоҳхоннинг ҳузурига келди. Амир муни ҳам тавқиф қилиб, полковник Сутуд Доратға ҳамроҳ қилмоқ учун Бухоро зиндонига юборди. Насруллоҳхон Хўқандни тор-мор қилиб, эзиб, Бухороға қайтганда инглиз элчиларига дини исломни қабул қилмоқға таклиф қилди. Инглизлар жавобида ҳукуратимиз тарафидин Моварауннаҳрға маъмурият ила келдур динни тарк қилмоқға ёки дин қабул қилмоқға келмадур, умид қиламиз, шунга қараб муомала қилунсун дебдурлар. Бу рижоларига қарши жаллодға буюруб, элчиларни бош кесмак ила муомала қилинди. Инглизнинг хайрихоҳона муомаласига бу тариқа жавоб берилди²⁴⁵⁷. Амир Насруллоҳхоннинг бу хато сиёсатининг натижаси йигирма беш йилдин кейин ўғли амир Музаффаридинхоннинг бошиға келди. Бухоро илан Хўқанд орасида жидол ва қитол ҳеч тўхтамай, Музаффаридинхон асрида ҳам давом этиб, Тошканд ва Самарқанд Русия тарафига ўтгандин кейин жадали тамом бўлди. Баҳодир Русия аскарлари бир-бирларини яраштурди. Русия ҳукмдорларининг зўр бозуси соясида хонларининг бир-бирларига қиладургон ғофилон адоватлари ва ўзлари кўрулмайдургон бир ҳолға келди.

Амир Насруллоҳхон отаси вақтидин қолгон эски оқил саркардалардин Аёзбий ва Ҳаким *қўшбеги* ва улардин бошқа бир неча аъёни вилоятларни қатл қилдуруб, ўз раъйу фикриға амал қилиб, вазиру соҳибмашварат кишиси йўқ эди. Ёши олтмишдин тажовуз айлаб, рабби II ойида, жумъа кечасида 1277 санаи ҳижрийда вафот қилиб, душанба куни отасининг ёниға дафн қилинди²⁴⁵⁸.

Амир Насруллоҳ зиёда даражада савдойимижоз ва муталаввин ул-ҳол ва сафакдимо ва қатлнуфус ва исрофи беҳуда ва абасда ғоятда баҳодир ва фарт ила муттасиф эди²⁴⁵⁹. Замонасида Хўжажон ва Мавлавий унвонила маъруф мулло Муҳаммад-Шариф хўжа ибн Атоуллоҳ ибн Ҳодий, онинг устоди ва қозийи калони, соҳиб ул-фазл ва касир ул-мутолаъа олими ва унинг ҳавосига ғоятда мусоид ва соъий эди. Ҳатто «Дур-ал-мухтор» (асаридин) «ва нисау замонано фи» иборасини ёзиб, фатво бермиш деган сўз афвоҳи носда машҳурдур. Мулло Ниёз ибн Бинямин ал-Балхий Бухорода муфти ва мазкур қозининг шогирдидин нақлики, бино би-л-мушофиҳа «ё мавлоно, агар бизлар мундай амрга иқдом қилсак, сизга лозим бизни манъ ва зажр этиб ва амалимизга мувофиқ жазо бермак эди. Бу амрни нечук иқдом этингиз» деганда сукут қилмушдур.

(Амир) мусодара ва торож қилмиш, амволи илан боғ ё меҳмонхона бино қилиб, бир икки мажлис ўлтургондин кейин ани буздуруб, талаф ва зойиё қилдурур эди. Мулло Тожибой ибн Сафар Хўжандийнинг уйига меҳмон бўлуб бориб, қайтурда ҳеч бир сабабсиз иморат ва болохоналарини вайрон қилурға ва ўзини ихтисоби азл ва бир неча муддат дарс этмак ва уйидин чиқмоқдин манъ қилди. Шунга ўхшаш Самарқанд *қози калони* Мулло Абдусаид Хўжани азл ва мусодара айлаб, Бухороға келтуруб, хонанишин қилди.

Бухородаги мадрасаларнинг аксаридида авқофи мутафовит бўлуб, ҳужрада истиқомат қилгувчи талабаларнинг дарси «Шарҳи мулло»дин «Адно» ва «Ақоид»дин «Мулло Жалол»ғача авсат ва андин юқориси аъло эътибор ила уч қисмга тақсим қилинур эди. Бу амирнинг асрида ҳаммаси баробар қилинди. Илгари вақтларда шанба, якшанба, душанба, сешанба тўрт кун таҳсил ва уч кун таътил бўлур эди. Аммо чоҳаршанба куни ҳам таҳсил қилди. Аммо мударрислар мазкур кунни чаҳоряк ва ё

²⁴⁵⁷ Аслида бу иккала инглиз ҳарбийлари айғоқчилик учун Бухороға юборилганликлари бугун аниқ бўлган. «Тарихи Туркистон» муаллифи, албатта булардан хабардор бўлмагани мумкин эди. – муҳар.

²⁴⁵⁸ Амир Насруллоҳ 1860 йили 21 сентябрь вафот этган. – муҳар.

²⁴⁵⁹ Олим Маҳдум ҳожининг амир Насруллоҳ ҳақидаги фикрлари унчалик тўғри бўлмай, бу мулоҳазаларни бошқа манбалардаги маълумотлар унчалик тасдиқламайди. Амир Насруллоҳ шахсияти ҳақида қаранг: Ражабов Қ. Амир Насруллоҳ Баҳодурхон ёхуд «Хони шаҳид» // Бухоро мавжлари, 2006, №4. – Б. 39-43.

ярим соат дарсхонада ўлтурсалар ҳам талабалар дарс ўқимоқга келмас эдилар. Ва кўп замондин буён Бухоро китобхонларида маҳфуз мунтафиъ кутуби авқофнинг аксарини ҳар хил мажҳул ва номаълум одамларга бесанад ва беҳужжат бериб китоблар атроф жавонибга тарқалиб тамом зоеъ бўлди. Мамлакат аҳолиси бу ишни ўшал вақтда *раис* ва қойим мақом вазири рутбасидаги Мулло Раҳмонберди Махзум ибн Ниёзберди Туркманийнинг хаёли фосид ва ғалат раъйиға ҳавола қилсалар ҳам мазкур *муҳтасиб* ул шаноатидин поку тоза маҳз амирнинг раъйи ва савобдиди ила бўлғон эди.

Ғолиб ул-авқот истеъмол қилғон муҳрида «ал-ҳукму би-л-адли» ва ўзи номидин сикка қилмай, тангаларнинг бир тарафида «амир Ҳайдар оқибат маҳмуд» ва бир тарафида «зарби Бухоройи Шариф» ва санаси мунаққаш эди. Асрида Ҳиндистон савдогарларидин Баҳриддин ном зот бир кичикрок мадраса бино қилди. Ва андин бошқа бир неча кичик мадрасалар бино бўлинди. Вафотидин кейин ёлғуз бир ўғли қолиб, ораларида улфатсизликдин баъзи фитна ва фасодлар вуқуъиға боис ва сабаб бўлинди. Андин кейин ўғли ва валиаҳди амир Музаффар подшоҳ бўлди. Музаффар отасининг асрида Карминаға волий бўлуб, Зарафшон дарёсининг қалъаи Бус тарафиға оқизиб, янгидин ани ва атрофини обод ва маъмур қилди. Лекин Қарокул заминларидин сув мунқатиъ бўлуб, кўп зироатгоҳларнинг хароб бўлмоғиға сабаб бўлинди. Абдумалик ном бир ўғли Қаршиға волий эди, отасиға муҳолифат ва мунозиат қилғони учун мамлакатдин бадарға ва ғурбатиға сабаб бўлди. Абдулфаттоҳ ном ўғли Питроград шаҳриға бориб қайтди. Амир Музаффар Хўқанд ишлариға бир неча мартаба футур ва ихтилол етган вақтда Худоёрхонға иноат тариқасида аскар илан Хўқандға бориб кириб, хутбаларда номини зикр қилдируб, Бухороға ружуъ қилди ва Ҳисор шаҳрини забт ва истило қилиб, волийси Абду-л-Каримбийни қатл қилди. Русиялар билан Эржар/Эгрижар ва Самарқанд мағлубияти Бухоро мамлакатининг сарҳади Каттақўрғон чегарасидин тайинлаб, мусолаҳа қилишиб, Русиялар ила сулҳ ва дўстлик робитасида туруб, тўртинчи сафар ойида, жумъа куни 1303 санаи ҳижрийда [12 ноябрь 1885 йили, 67 ёшда Ялтада] вафот қилиб, ўрниға валиаҳд ва вориси салтанати амир Абду-л-Аҳадхон мансуб ва подшоҳ бўлди. Ҳазрат амир Абду-л-Аҳадхон даври салтанатида Русиялар илан ғоятда дўстлик робитасида туруб, Русиялар подшоҳи тарафидин ул зоти мунаввар «жаноби олий» ва «жаноби аъло» лақаблари ила мулаққаб бўлиндилар. Аксар йилларда истироҳат учун Русия маҳкумиға Қирим вилоятиға, Ялтаға бориб, бир неча ойлар истироҳат айлаб, Русия улуғлари илан рафту омад айлаб қайтар эдилар. Бир неча мартаба Питроградға бориб, подшоҳи аъзам импиратурға манзур бўлуб, суҳбатлашиб, Питроградда масжиди Жомеъ биносиға сабаб ва бонийдек бўлдилар. Ул жаноби аъло Абду-л-Аҳадхон ҳазратлари шул тариқа тинчлик илан туруб, раияларини тинч ва осойишта айлаб, ўз асрларида ҳеч бир неча тарафдин иғво иғтишош бўлмай хотиржамълик илан бир неча йиллар ҳукмронлик қилиб «кули нафсун зоикату-л-мавти» мазмунича дунёи фонидин дор ул-уқбоға рихлат айлаб, жойлариға, яъни Бухоро подшоҳлиги маснадиға ул марҳуми мағфурнинг вориси тахту тожи ва валиаҳди бўлғон фарзанди қиррат ул-айнлари жаноби аъло Тўражон *тўра* [Олимхон] подшоҳ бўлдилар. Алҳол Бухоро подшоҳлигида барқарордурлар. Ул жаноби аъло ҳам ҳукми соялари бўлғон Русия подшоҳиға ғоятда дўстлик робитасида бўлуб, раияларининг тинч ва осойишталик илан умргузаронликлариға саъйи тарадудлар айлаб, зироат жойларини кўпайтурмоқ учун аксар жойларға янги ариғ қаздурмоқ, мамлакатни ободон қилмоқ, кечаларда тош срдурмоқ, темур йўл ва касалхона қилмоқ, кечаларда шаҳар кўчаларига чироқ ёқтурмоқ ва бўлак кори хайрларға кўп ижтиҳод қилмоқдадурлар.

Бухоро ахволи тарихияси

Бухоро кўп эски ва қадимги шаҳарлардан бўлуб, ҳазрати Муовиянинг замони салтанатида Абдуллоҳ Зиёд тарафидин мусаххар қилмоқда бўлса ҳам, Бухораға ҳокима бўлуб турғон Хотун подшоҳ баъзи шароитлар ила сулҳ қилмиш эди. Баъда эллик бешинчи тарихи ҳижрийда (674) яна ҳазрат Муовия тарафидин Хуросон волийси бўлуб турғон Саид ибн Усмон ибн Аффон, розиаллоху анху, тарафидин фатҳ бўлинмиш эди. Хилофати аббосия замонида зухур қилғон салотини сомонийлар Бухорони пойтахт қилиб, кўп иморатлар ва зийнатлар берган эди.

Ул вақтларда Бухоро мамолики исломиянинг энг машҳур илму маориф маркази эди. Чингиз тарафидин таҳриб ва ихроқ бўлиниб, сўнгра Амир Темур тарафидин қайтадин маъмур ва ободон бўлса ҳам Амир Темур Самарқандни пойтахт қилиб, анга кўп бино қўйиб, аҳамият берган сабабдин Бухоронинг эски ободонлиғи қайтиб келган йўқ эди. Сониян, ўзбек хонлари пойтахт қилиб, бир навъи обод қилғон бўлсалар ҳам кундин-кун Бухоро атроф-жониби русиялар тахти тасарруфиға кириб, русиялар тарафидин баҳри Хазардин мамлакатнинг орасидин ўтуб, хийла ободликға сабаб бўлди. Бухоро хонлигининг ҳудуди шарқ тарафидин Русия қўлида Самарқанд ва Сирдарё

ўблостлариға, ғарби-жанубий тарафидин яна русиянинг тахти тасарруфида бўлгон Марв ва Хоразм чўллари ила жанубий Ҳиндустоннинг Помир тоғлари ила, ғарби-шимол тарафи Хива хонлиги ила махдуддур. Бухоро шаҳри баланд қўрғон ила ихота қилиниб, ўн икки дарвозаси бордур. Атрофи боғу боғчалар ила айланган ва шаҳар ичида усти берк кенг чорсуи ва кўп карвонсаройлари уч юз олтмишдин зиёдроқ (масжиди) жомеъи шарифи, бир юз ўн уч мадрасаси бордур. Жомеъларининг энг музайян ва васиъ ва каттаси Масжиди Жомеъдурки, кўп эски ва қадим бўлуб, қуббаси зилзиладин хароб бўлгонда Амир Темур тарафидин бино қилинмишдур. Мадрасалардин энг яхши зийнатлиги мадрасаи Абдуллоҳхон ила машхурдур.

Бухоронинг суви оз бўлуб, Зарафшон дарёсидин келтурмак ва бир неча нахрлар қоздурулса ҳам, аксар ёз фаслида кифоя қилмайдур. Бухоро бир тарафдин Ҳинду, Чин, Эрон ва Афғонистон ила ва бир тарафдин Русия ила ижро қилиниб турғон бир тижоратнинг марказидур. Бухоро хонлиги Ўрта Осиёдаги подшоҳи исломиянинг бири бўлуб, Туркистонда бир оз истиқлолларини сақлаб келган икки хонлигининг биридур, дигари Хива хонлигидур. Бухоро хонлигининг хусусан, Бухоро шаҳри ила атрофлари ва Зарафшон дарёсининг атроф ҳавоси дунёнинг энг яхши ҳаволик жойларидин бўлуб, анвои маҳсулот етуштурмакға кўп солиҳ ерлардур. Аҳолиси икки жинсға мунқасим бўлуб, шаҳар ва кишлоқларға сокин бўлуб, саноъат, тижорат ва зироат ила иштиғол қилгувчи, аҳолисини тожик таъбир қилинур. Улар лисони форсий ила мутакаллим ва суний мазҳабдурлар. Андак миқдорда шиъайи эронийлар ҳам бордур. Туркман уруғи ҳам кўп бўлуб, булар аксар Жайхун атрофида хайманишиндурлар. Шимоли-шарқ тарафидаги саҳроларида бўлса қозоқ, қалмиқ, қорақалпоқ уруғларидин. Шаҳар ва кишлоқларда авоили исломдин буён ерлашиб қолгон мужоҳидлар авлодидин хийли араблар ҳам бордур. Яҳудилар оз миқдорда булуб Бухорода ва баъзи қасабаларда сокиндур. Кобулий исми ила машхур бир хил *чанкона* ном тоифалар ҳам бордур.

Бухоронинг лисони расмийлари форсий бўлуб, ўзбеклар чигатой туркча сўзлашадурлар. Самарқанд ва Диззах шаҳар ва вилоятлари яқинда Русия тахти тасарруфиға ўтуб алҳол Бухородин бошқа машхур улуғ шаҳарлари бўлмай, Қарши, Кармина, Миёнкол, Қарокўл, Гиждувон ва мунга ўхшаш бир неча қасабалари ва ҳукумат турадурғон бир неча увоғ қарйаларидин иборатдур.

Урганж давлати қўнғуротиялари

Хоразм мамлакати Хивақ шаҳрида ҳукмронлик қилгон шайбонияи чингизия инқирозидин кейин ташкил қилингон бир кичикроқ давлатдур. Исми Хоразм мамлакати қадим ул-айём хулафолари ва хоразмшоҳлар замонида бир минг беш юз қарйадин муташаккил ва дор ул-мулки Журжонийа таъриб Урганж эди. Урганж шаҳрининг Хворазмшоҳлар вақтида ўтуз дарвозаси бор эди. Чингизхон келиб хароб ва вайрон қилгондин кейин уч юзға яқин қарйалари қолиб, Урганж номи ила машхур дор ул-мулклари Хива шаҳри бўлди. Араб лисонича «қоф» бирла Хивақ таъбир қилинур. Журжониядин тўрт манзил масофададир. Қўнғурот тоифасидин Саййид Назарбий ва анинг ўғли Эш-Муҳаммадбий шайбония хонлари ҳузурида хизмат қилиб, амсолларидин тақаддум ва тараффуъ ила 1169/1755-56 сана Муҳаммад-Аминбий ибн Эш-Муҳаммад *вазир* маъносида *иноқ* рутбасиға ноил бўлуб, ўттуз йил бу мансабда ҳукумат қилиб, мамлакатни маъмур ва ободон айлаб, 1199 санаи хижрийда/1784-85 вафот қилди. Зиёда шужоъ ва ғайур ва соҳиби рушду ҳиммат эди. Дониёлбий асрида Бухороға бориб, Дониёлбий ионати ва имдоди бирла яна ўз мамлакатини тасарруф айлаб, Дониёлбийға эъзоз учун бир оз вақт унинг номиға хутба ўқутди. Муҳрида мунаққаш ибораси «Бихамдиллоҳ Муҳаммадро амин аст» эди. Андин кейин ўғли Авазбий *иноқ* рутбасиға ноил бўлуб, 1219/1804 санада вафот қилди. Азим ул-жусса, содалавх, тадбирсиз эди. Унинг асрида акобири давлати Хоразмни тақсим қилиб, туркман, қўнғирот, қозоқ тоифалари орасида хеле мунозиалар пайдо бўлди. Андин кейин ўғли Элтузархон *иноқ* бўлди. Авазбий вафотидин кейин ва аркони давлат ҳаммалари би-л-иттифоқ Қутлуғмурод ибн Авазбийнинг *иноқ* бўлмоғиға талаб ва рағбат қилсалар ҳам, (у) ман бу мансабнинг уҳдасидин чиқолмайман, ман гўшанишин бўлуб, бародарларимнинг дуои жонини қиламан, деб *иноқ* бўлмоқдин имтиноъ қилди. Андин кейин аъёни вилоят Элтузархонни *иноқ* қилди. Мундин муқаддам Хивада Шайбоний хонларидин Абу-л-ғозийхондин кейин, хонлар подшоҳлигидин ёлғуз исми подшоҳликға қаноат қилиб қўлларида асло ҳукумат ва тасарруф бўлмай, иноқлар раъйича иш ва аларнинг каломи ила такаллум қилиб, баъзиларини Қозоқистонға сургун қилиб ва бошқа бирини келтуруб, хон кўтаруб, *иноқлар* шул тариқа хонбозлик қилур эдилар.

Элтузархон асригача бу ҳол давом қилиб, бу зот исман ва расман ва маънан алоҳида мустақил подшоҳ бўлуб, Хоразмда авлоди Чингизхондин насаб қилмоқни тамом барҳам берди. Чунончи, Элтузархон *иноқ* бўлуб, олти ой ўтгандин кейин хонлик ҳавасиға тушуб, бародарлари ва аъёни давлат

ила машварат қилишиб, оғоси Қутлуғмурод фотиҳа бериб, эртаси Элтузарбий ўз вақтидаги хонга бир неча маблағ бериб, Қозоқистонга чиқариб юбориб, хонлик асбобини тайёрлаб, шахриёрлик таблини чалдуруб, унвони истиқлол илан *хон* исмини ўзиға итлоқ қилдуруб, хатиблар хутбасида «Оллоҳумма абди давлат ал-хоқон ал-аъзам ва ал-хон ал-мукаррам Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон, халладаллоҳу мулкаҳу ва аффиз ала-л-оламин барраҳу ва ихсонаҳу» иборатини ўқуб, ямут тоифасидин бошқа хамма қабилалар муборакбод айтмоқға келдилар. Сиккани ҳам яна ўз номиға қилди. Сикканинг мазмуни ушбу мазмунда эди, шеър:

Сикка зад аз фазли Ҳаққ бар симу зар,

Вориси хоразмшоҳон Элтузар.

[Тангри инояти ила сийму зарга сикка урди,

Элутзар хоразмшоҳларнинг вориси]

Бу зотдин муқаддам қўнғирот ҳукумдорлари номиға сикка бўлмай, қозоқия хонларидин бирининг номиға хутба ўқулуб, Бухоро ва Эрон тангалари баробар тадовил қилинур эди. Хонлар *иноқ* раъйидин тажовуз қилмай, махсус зарлик либослар кийиб, атбоъ ва авлодлари ила ўрдаи подшоҳийда вазифахўр бўлуб, *иноқ* ва бошқа умаро ва вузаролар ҳар кун келиб, хонга салом бериб, ийд ва жумъа намозларида хон илан биргалашуб чиқар эдилар. Қўнғиротиялардин *иноқ* ба маъни *вазир ул-аъзам* мақомида бўлуб, олардин хон унвони ила хутбава сиккани ибтидо бу зот ижод қилди. Элтузархон мустақил хон бўлгондин кейин Пўлод ном *оталиқ* уйғурийни қатл қилди. Охтаҳўжае ном саййиднинг кизини жабран никоҳлаб олиб, мазкур саййид кўп ранжиб, ҳақиға бад дуо қилғони халқ орасида машҳурдур. Амакиси Фозилбек ибн Муҳаммад-Амин ғоятда лабибу оқил ва соҳибфаросат одам эди. Отаси Муҳаммад-Амин ва бародари Авазбийлар андин кейин Муҳаммад-Раҳимхон зиёда ҳурмат қилиб, унинг машваратидин бошқа иш қилмас эдилар. Аммо Элтузархон унинг сўзиға кулоқ солмас ва эътибориға ҳам олмас эди. Элтузархон 1221 /1806-07 санаи ҳижрийда Жайхун дарёсида ғарқ бўлиб, вафот қилди. Тафсили Бухоро хонларидин амир Ҳайдар ҳикоясида баён қилингон эди.

Андин кейин Элтузархоннинг бародари Муҳаммад-Раҳимхонни аҳли Хоразм би-л-иттифоқ хон кўтардилар. Улуғ бародари Қутлуғ-Муҳаммад ҳам бу ишга ризолик берди. Уламо ва фузало ва сулаҳо ва аркони давлат бо иттифоқ би-р-рай ва ар-раас унинг хонлиғиға ризолик бердилар. (Аксар нусхамизда хон қилди деган иборат ўрниға хон кўтурдилар лафзи ёзиладур. Унинг сабаби ўзбек русумича бир одамни хон қилмоқға иттифоқ қилгондин кейин ани оқ намадға солиб, ул намадни тўрт тарафидин тўрт улуғ мансабдаги одамлар кўтариб, тахтға қўядурлар. Бу расм ижро қилингондин кейин ул зотға хонлик исми итлоқ қилинадур. Бинобарин, хон кўтарди деб ёзиладур]. Муҳаммад-Раҳимхон хон бўлгондин кейин ямут тоифасиға истило қилиб, акобирларини қатл қилиб, уларни ўз итоатиға дохил қилди. Ўрол жазирасиға ҳам истило қилиб, олтмиш йиллардин буён осий ва итоатдин хориж бўлуб юрган қўнғиротия бошлуғи Тўра сўфини ушлаб ўлдуруб, кизини ўзиға никоҳлаб олди. Бир неча вақтдан кейин ўзининг ёшлигидин буён мулозими ва муқарриби бўлуб юрган Ёр-Муҳаммад *девонбегини* ул қиз ила мутаҳҳам қилиб, ҳар иккисини қатл қилди. Муҳаммад-Раҳимхоннинг амакиси Муҳаммад-Ризобек уйғур тоифаси бирлан иттифоқлашиб, осий бўлгон эди. Ани ушлаб қатл қилиб, осийларни тахти итоатиға дохил қилди. Бухоро амири табааларидин кўп ерларни талон-торож, ғорат қилиб, Қарокўл ва бошқа Бухоро иёлатларидин беҳад ва беадад асирлар олиб, кўхна Урганж атрофлариға ва бошқа жойларга нақл қилди. Охири умрида ҳам Бухоро амириға ёв бўлуб, атроф-жонибиға кўп ташвиш тушурди. Эрон шоҳлари илан ҳам ҳар вақт можаролари бўлуб, Астробод тарафлариға қўшун юборар эди. 1241 /1825 санаи ҳижрийда вафот қилди. Баъзи Моварауннаҳр фозилларининг сўзлариға қараганда Муҳаммад-Раҳимхон бисёр ғайур ва соҳибшамшир ва бомурувват ва ишлари мувофиқи шариат ва мураввиқи уламо эди. Марви шоҳи жаҳонни забт қилиб, атрофдаги туркман тоифаларини тахти итоатиға дохил айлаб, қалъа бино қилиб ва бир неча тўп қўйуб, вазири Хўжа Ниёзбийни волийи Марв қилгон эди. Лекин, амир Насруллоҳ Хиваға сафар қилгонда туркманлар қалъаға ҳужум қилиб, волийни қатл айлаб, бошини амирға юбориб, қалъа ва тўпларни тасарруф айлаб, гарчанд зоҳиран амирға тобиъ бўлсалар ҳам хирож ва ҳосилотни ҳеч бермадилар. Амир анда Осимхўжа ном Карокўлийни *қози* қилиб юборган эди. Дахли авқотгузаронликға ҳам кифоя қилмай, туркмания бошлуқларини меҳмонхонасида бир неча кун туруб, авқот ўтказолмай қайтиб кетди. Муҳаммад-Раҳимхон Хива шахрининг ободонлиги учун ниҳоятда саъй ва ижтиҳод айлаб, масожид ва мадорис ва иморати олия бино қилиб, шаҳарнинг атрофиға ғоятда маҳкам ҳисор бино қилди. Олтун сиккасида бир тарафида Муҳаммадраҳим Баҳодирхон (ва мухрида шеър):

Муҳаммадраҳим олдида тобса жой

Умар тобеъ ўлмасму, Ҳайдар мутиъ.

иборасила мунаққаш эди. Бу иборатдин ишорат ўшал вақтда Бухорода амир Ҳайдар ва Фарғонада Умархон ҳукмронлиғ маснадида эдилар.

Андин кейин ўғли Оллоҳқулихон Бухоро тавобъотидин Гиждувонғача келиб, ғорат ва торож қилиб, кўп халқни асир қилиб олиб кетди. Хивакнинг бир тарафида Рафник номли боғи беназир бино қилди. Ва андин бошқа иморати олий, тахтоний, фавқоний ва анвои ашжор ва гулзорлар бино қилди. Охири «кулли шайбун ҳолик» мазмунича 1258 ҳижрий, шаввол ойида/1842 ноябрь-октябрь Хивак шаҳрида вафот қилди.

Андин кейин ўғли Раҳимкулихон отасидин кейин Хоразм мамлакатига ҳукмрон бўлуб, уч йил ҳукмронлик қилиб, 1261 /1845 санаи ҳижрийда вафот қилди. Отасининг асида Бобожон *тўра* демак ила номзад бўлуб, халқ орасида жавру зулм қилмак билан машғул эди.

Андин кейин бародари Муҳаммад-Аминхон Хоразмга хон бўлди. Бу Муҳаммад-Аминхон Урганж хонларининг зубда[си] ва аҳли байтининг умдаси эди. Таъмири билод, ислоҳи умури мулк ва хусни тадбиру сиёсиёт ила мамлакатни обод айлади. Минораи мутаадида ва масожиди карима ва мадориси ҳасаналар бино қилди.

Эрон шоҳи тарафидин келган элчи мирзо Ризоқулихон (Ҳидоят) Шерозий Лолабош сафоратномасида айтадур: «Хива шаҳрида банг ва чарс амсоли ва ҳабубот ва маожину мукаййафот фаровон ва истеъмолида ҳеч кимга айб этмак ва мамониат қилмоқ асло йўқ. Тарових асносида танбур чалмоқ макруҳ кўрулмас ва ҳеч уламо андин мутажониб ўлмас. Тамоми шаҳарда бир ҳаммом йўқ. Аксар ёз фаслида нахрларда ғул қилурлар. Хонларнинг харжи табаххонаси қалил ва ҳарна ҳозир қилинса, яхши ва ёмон, пухта ва хомға қониъ, от гўшти емакда, хусусан, сафарда кўп мулаъ, уларда асло кафш йўқ, этук киядурлар ва улар Эрон аҳолиларини кофир ва вожиб ул-қатл эътиқод қилиб ва рофизий ва палид тасмия қилурлар. Шиъия хотунларини кўзиға сурма кўйуб, сочларини ўруб, юз ва аъзоларини муштарийға кўрсатурлар, уларнинг аглаб рижолларида рутуботи арзия ва самовия кўплигидин қувваи боҳлари қалил, ружулиятлари заиф, хотунлари би-л-ъакс. Уларда асоройи Эрон аз ҳадд фузун, ҳатто аҳолийи аслиясидин зиёда бир хўжанинг эллик қадар ғулом ва қули бўладур, деб. Айб ва мазамматларини бас қилғондин кейин илова би-ш-шеър:

Айбро жумла бигуфти ҳунараш низ бигуй,
Нафии ҳикмат макун аз баҳри дили оммие чанд.
[Ҳамма айбини айтдинг, энди фазилатини ҳам айт,
Омий кишилар дилида ҳикмат бўлишини инкор этма].

Дар он вилоят жангу пурхош ва сирқат ва инкори муомилот набуд. Аҳаде ба аҳаде жанг накунанд, балки баланд овоз накунанд. Аз аъло ва адно касеро, ки арза бошад ҳама рўз бе мамониат ба хизмати хон ҳазрат Муҳаммадхон равад ва ариза кунад. Агар урфи аст ҳукм кунад ва агар шаръи аст ба қози калон таҳвил намояд. Ва ба ғайр аз закот дар амволи кас тасарруф нанамояд ва закоти чихилу як гирад ва зулм дар муомилот воқеъ нашавад. Мустароҳи он куллан ба болохона аст, ки зери он холист ва аз тарафи хорижи хона роҳе дорад, ки мутлақан уфунати он маълум набошад ва аз хориж омада ба жиҳати кишти зироат ба боғҳо бурда корсози кунанд ва ин бад тасрифи нест ва беҳтар аз мистараҳои Эрон аст. Ва дар он мамлакат ҳама чиз арзон ва меваҳояш хуб ва фаровон аст. Харбузааш бе иғроқ беҳтари харбузаи Қум ва Кошон ва туташ беҳтар аз тути Шимрон, ҳалв ва анжираш нимутар аз ҳалв ва анжири Мозандарон аст, аммо ангураш имтиёзе надорад. Тамоми сахро ва боғу сабзаву зироат, хона-ю нахр пуроб ва дарахтони беду сапедор аст. Ва хони Хеваро қарор аст ба мулозимони худ обу замин диҳад ва ба ҳар кас як таноб. Дар вақти сафар як савор ва ба жиҳати озуқаи сафар ду уштур ва лихозо даҳ ҳазор ва си ҳазор ва сиёҳии лашқари ў дар дидаи бе хабарон бисёр ояд ва мояи хавфи бегонагон гардад ва шаб дар сахро ў итроқ кунанд атрофии урдуро ҳафр намоянд. Агар асб ва уштури касе дар сафар бимирад қимати он бигирад ва баъд аз мурожиат ба ҳар саворе 5 туман инъом мекунад ва муқаррари аҳаде дар назди ў зиёда 50 туман нахоҳад буд. Бинобар ин ҳам вилоят обод ва ҳам ҳазинаи ў холи нагардад [бу вилоятда жанг, жанжал, ўғрилиқ пул олиб, инкор қилиш йўқ эди. Биров-бирав билан урушмасди, балки овозини баланд кўтармасди ҳам. Олий ва паст табақадан ҳар ким бўлмасин, арзи бўлса, ҳеч қандай тўсиксиз хон ҳазрат Муҳаммадхон олдиға бора оларди ва арзини айта оларди. Дунёвий иш бўлса, қози калонга буюрарди. Закотдан бошқа бировнинг молига эғалиқ қилмайди. Закотни кирқ бир қилиб олади, пул муомалаларида зулм ўтказмайди. Ҳожатхонаси уй (хона) устида бўлиб, унинг ости холийдур. Хонанинг ташқи тарафида бир йўл бўлиб, ҳожатхонанинг ҳиди умуман билинмайди. Ташқаридан келиб, экин ва боғ зироати учун (ўғитини) олиб кетиб, ишга соладилар. Бундай қилиш ёмон ишлардан бўлмай, Эроннинг ҳожатхоналарига нисбатан яхшироқдир.

Бу мамлакатда ҳамма нарса арзон, мевалари яхши ва кўп. Қовунлари ҳеч муболағасиз Қум ва Кошон қовунларидан создир. Тутлари Шамрон тутларидан ширин, анжири эса Мозандарон анжирининг соз. Аммо узуми унча яхши эмас. Далалари ва боғлари кўм-кўк ва экинзор. Хонадонлар ва анҳорлар сувга сероб. Тол ва терак дарахтлари бор. Хива хони ўз мулозимларини суву ер, сафарга чиққанда бир от, сафарда юк учун иккитадан туя беради. Шунинг учун унинг ўн лашкари бундан беҳабар (душман)лар кўзига ўттиз минг бўлиб кўринадилар ва бегоналар кўнглига ваҳима солади... *ўрда* атрофини кавлаб қўядилар. Агар кимнинг оти ёки туяси сафарда ўлса, унинг баҳосини олади. Сафардан қайтганларнинг ҳар бирига беш тумандан пул инъом қилади. Ҳар бир одамнинг ойлиги эллик тумандан ортиқ бўлмайди. Шу туйғайли вилоят обод бўлиб, хазинаси ҳеч қачон бўш бўлмайди], деб ахлоқи ҳасана ва афсофи ҳамидаларини ҳам тафсил қилди.

Муҳаммад-Аминхон 1271 санаи ҳижрийда, жумади ул-охир ойида, душанба куни/1855йил 19 феврал Сарахсга тобиъ Қонлитепа мавзейида қатл қилинди. Қарийб ўттуз беш ёшида туркманлар бошини кесиб олиб, кулоҳ ва тожи ва бошқа асбоблари бирлан ўн бешинчи куни Техронга, шоҳ хузурига олиб бордилар. Лекин Насриддиншоҳга туркманларнинг бу иши хуш келмади. Зероки, хукмдори Хивақ ва хонзодаи Хоразм ота-боболаридин буён хизматкорони шоҳони эрония ва парвардаи одоби исломия ва мунтасиби мавлаи ханифаи аҳмадия, мутақаллиди манифаи Муҳаммадиядур, деб чандон писанд ва марзойи хоотири бўлмай, шоҳ амри илан Техронда дарвозаи Давлат мақбарасида баланд гумбази олий бино қилдуруб, арвоҳлариға тиловати қуръон ва аъёми фуқаро ва мискинон қилдурди.

Шеър:

Сари Хоразмшоҳ инак ба Техрон,
Тани ў бар Сарахс афтода нолон.
[Хоразмшоҳнинг боши ҳозир Техронда,
Танаси эса Сарахсда нолон ётибди].

Қонликтепа ҳодисаси шул тариқадурким, Муҳаммад-Аминхоннинг ҳар йил ғорат ва чоповул қилмоғидин Сарахс ва Марв туркманлари Эрон давлати тарафиға мойил бўлуб, Калот аҳолиларини ўз хукмдорлари бўлгон Жаъфар Оқой жалойир узасиға таҳрик қилғонда ул қочиб, Хоразмға Муҳаммад-Аминхон хузуриға бориб, Марв, Сарахс ва Калотни тасхир ва забт қилмоқға таҳрис айлаб, хон ул диёрни забт балки Нишопур ва Сабзаворни тасриф қилмоқ ҳавасиға тушу буч минг отлик ва тўпхона бирлан Шоҳ Мурод *иноқ* ва *қўшбегини* Марв устиға юбориб ва ўзи Сарахсга қасд айлаб Тали Қонли тепаға нузул қилиб, яшил саропардани тикиб, хосу акрабо ва умаролари бирла ўлтуруб, муҳорабанинг тамошасини кўруб, ҳар тарафидин баҳодир аскарларини юбориб, уларға инъом бермак ила машғул бўлди. Шоҳи Эрон ионати бирла сарахсликлар ғолиб бўлуб, олти адад тўп, юз найза, беш юз милтиқ ўлжа олдилар. Қайта-қайтадин Оқ дарбанд ном мавзейида муҳораба ва муқотала бўлуб, хоразмийлар яна мағлуб ва мунҳазим бўлуб, Сарахс шаҳридин тақрибан икки минг қадам олис кейин қайтдилар.

Бўлиб илҳоми Рабб лутфи Худованд,
Ёзарда саргузашти хони Хўқанд.

Бул китоби мустатоб камина мутахаллис Умидийдин нишонаи ёдгорномадирким, баъзи ёр-дўстларни, аҳбобини мултамаслари сабаби бирла баҳри нолайиқ ва ноқобиллиқ ила қабул тариқасидин бўлак ҳеч илож хотирға хутур бўлмаган юзидин ноилож бўлиб, Хўқанд мамлакатадаги исломободлиқ замонида ўтган хони хоқонларни насаби олиларини зикр этуб то хоқон //3^a ибн ал-хоқон манбаъ ал-жуд ва-л-эхсон абу-л-музаффар ва-л-мансур саййид Муҳаммад Худаёرخон²⁸²¹нинг фармонраволиқлари ва авлодларининг аҳволлари ул Борий таъоло – «хоҳлаган ишни қилур»²⁸²²нинг ирродаси бирлан на ерга анжом топилғон воқеасиға жиддан эҳтиром кўргузиб қоғоз юзиға қалам юрғизиб бир тарихча мураттаб айлаб, исмини «Тарихчайи туроний» қўйдим.

Бу жойда камина бандаи ҳақир ўз ҳолимдан шаммае баён этмоқни лозим кўрдим. **Таржимаи ҳол:**

Аё ноқил қисса куҳан соз,
Сўз аслидин эт ҳикоя оғоз.
Ҳар чанд ўзунг ҳақиру шайдо,
Хок остида қолғонинг ҳувайдо.
//3^b Ҳушингни либосидур ҳарира,

²⁸²⁰ Муҳаммадумар Умидий. Тарихчайи Туроний. / Табдил, таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент, 2013. – 420 б.

²⁸²¹ Худоёрхон – Худоёрхон Шералихон ўғли уч марта Кўкон тахтига чиққан. 1875 йили ўғли Насриддинбек фойдасига тахтдан воз кечиб, қочиб Тошкентга келган ва рус маъмурияти уни Россияга сурған қилган эди. Унинг онаси Жарқин/Ёрқин ойим бинт Тўхта Назар қирғиз, сору уруғидан бўлган. Шу онадан яна Абдурахмонбек/Саримсоқхон ва Султон Муродбек ҳамда учта қиз оламга келган. Маллабек ва Сўфибек ҳамда иккита қиз қирғизларнинг Бағиш уруғидан бўлган Суна ойим номли аёлдан оламга келган. Худоёрхон авлодлари тарихи ҳақида қаранг: Умаров Ш. Худоёрхон авлодлари тарихи / Масъул муҳаррирлар Ш.Воҳидов, Х.Қодирий. – Тошкент: Турон-зиё, 2014. – Б. 420-700.

²⁸²² Қуръони карим, 22:14.

Қон дўкдук икки дида.
 Хомам эллина кўринди дарё,
 Соҳил ери топмак ўлмас асло.
 Дарё дема бир балойи сели,
 Кўздан мени мубталони сели.
 Қай сориди бир битик ўлур бош,
 Боми ўкизаси бо аҳд каби тош
 Ўз нақшим анда зоҳир айлаб,
 Гоҳи ўзумни мусофир айлаб.
 Бир балда эмас эди мақомим,
 Саъдий каби шуҳрат ўлли номим.
 Ки манзилим эрди сойири Хуқанд,
 //4^а Оташ ўрнида сув топилмайуб чанд.
 Савдо бошим узра, кўзголиб ох,
 Ки Ўш ила Андижон қароргоҳ.
 Савдойи мизожим ҳаддин ошган,
 Гаҳ азм этардим сўйи Тошканд.
 Ҳар қайда мени шикастаи зор,
 Зиндон ғами ўлуб гирифтор.
 Ва-л-ҳосил ўлуб менга бу иш хў,
 Бахтим қарориб мисоли гисў.
 Гоҳ кўнар бошимға тойири куш,
 Парвозида дил ўлиб фаромўш.
 Мажнун каби сайр этиб биёбон,
 Гаҳ ойинадек еримда ҳайрон.
 //4^б Қайси тарафа тушса гузорим,
 Мазмун гулини дериш шиорим.
 Манзур ўлажак нўла ким вор,
 Хомам тили айлар эрди ашъор.
 Бир ройиҳадин димоғ ўлуб чоғ,
 Иқболим учун гул очти юз боғ.
 Не гул ўла зулматини чоғи,
 Толеъ кечасиға дурур чироғи.
 Йилдай ғамимга бўлди айём,
 Субҳ ила ёруди тийра оқшом.
 Юз шукри ҳар карона топдим,
 Гулшан аро ошёна топдим.
 Булбул била ҳамсабоқ бўлубман,
 //5^а Тўти тилин этди «куллаҳу мулкан».
 Хомам ўла ғарқ чашмаи нур,
 Файзи саҳарда абр тўкди ямғур.
 Ҳар лаҳза тушди малҳами ғайб,
 Инъоми карим, ҳайи ло райб.
 Лозим келибон фасона хонлиқ,
 Гулрезлик, гуҳарфишонлиқ.
 Тазминида сўзни бошиға зеб,
 Хонлар ҳабибидин айлайин деб,
 Тарих йўлида кўб югурдим,
 Машҳур ила нусхаларни кўрдим.
 Маъруф араб ила ажамда,
 Мактуби саҳиҳ ўлуб рақамда.
 //5^б Фарғона мамоликини шоҳи,
 Адл ойин, сояи Илоҳи.

Камина мусаннифи авроқ Марғилон шаҳридан бўлғоним учун килки фасонатарози суҳанпардоз, тўти янглиғ шакар резлиғ ҳангомасида ба иродаи вожибу-л-вужуд, сўз гуҳарини назм

силкига манзум этиб, Марғинони фирдавснишон арўсиларини кокили мушк афшонига тумор ўрнида зеварбонлиғ айлоғони:

Килки саводи анбари сар-сар хиром,
Бу ила қўяр равзаи сўз сори гом.
Ҳар суҳан ҳусниға сунбул сочиб,
Хулди барин гулшанидек гул очиб.
Қайси суҳан гавҳаридур жонбаҳо,
//6^а Маъдани накдинаи султон баҳо.
Сўз дегали килки иборатбаён,
Бўйла ёзиб тил этардир аён.
Деди зиҳи! килки мулки ҳумо ошён
Балдаи фирдавснишон Марғинон.
Хоки абир, оби гулоби беҳишт,
Аъни гулобикки, шароби беҳишт.
Лойи ифор, анбари заъфарфишон,
Анда шажарлар ҳамма Тўби²⁸²³ нишон.
Санг резаси чунки нужуми фалак,
Тобқуси жаннат ила андин малак.
Қалъа василигида чу даври жаҳон,
Кунгираси курси билан ҳаминон.
//6^б Тоқи баланд оли иморат фузун,
Қаср ила айвон ҳамма фирдавсгун.
Неча қабила мутаватгин бўлуб,
Ҳар бири ўз жойида сокин бўлуб.
Маъдани исломим шаръдур,
Чун шажари илм амали фаръдур.
Кони фазилат ҳамма мардумлари,
Зикри Худо деярға вали тиллари.
Мадрасаю масжиди жомеси кўб,
Таҳсил ила толиб эли дарс ўқуб.
Дар бар ўлан ҳол ила илми қол,
Рутбада ғавси замон баркамол.
Маснади ҳикматда шаҳи мавлави,
//7^а Жумласи дарёйи дурур маънави.
Аҳли хунар, аҳли шараф фавж-фавж,
Баҳри фуюзи Ҳаққ уруб мавж-мавж.
Растай жаннат каби, кўб чорсу,
Ойина банд анда дўконтлар қамсу.
Молу манол, атласу кимхоблар,
Нақди матоъ шолу санжоблар.
Барча муҳайё, топилур ғайри жон,
Ҳосил этар билки анинг излагон.
Бу балдани отини ёна дер,
Номини бир лафз ила Фарғона дер.
Ушбу иқлимнинг бониси,
Нақшини тасвир қилган Мониси.
//7^б Голиб Доройи²⁸²⁴ шужоат паноҳ,
Ҳазрати Искандар²⁸²⁵ замин кулоҳ.
Соҳиби таъмир иккинчиси бил,
Нўширвон²⁸²⁶ эди бу равшан далил.
Айлаган учунчи биносин аён,
Авраңги адл уза Қизил Арслон²⁸²⁷.

²⁸²³ Тўбий – жаннатдаги дарахт номи.

²⁸²⁴ Доро – ахмонийлар шоҳларидан Доро III (ваф. э.о.329 й.) назарда тугилади.

²⁸²⁵ Искандар – Македониялик Искандар/Александр Филипп ўғли (ваф. э.о.323 й.).

²⁸²⁶ Нўширвон – Анушервон, қадимий Эрон подшоси.

²⁸²⁷ Қизил Арслон – қорахонийлар ҳукмдори.

Тарих оғозиға ул шоҳи зеб,
 Қилди минороти бино ҳукм этиб.
 Лафзи «минор»ҳарфини ҳар ким ҳисоб,
 Қилса билур таъмири солин маоб.
 Етти фалак ичра кунушға макон,
 «Хайрул умури авсатуҳо»дин нишон.
 Етти ақолим аро бу шаҳр ҳам,
 //8^a «Хайрун балда» номила тобти рақам.
 Иқлими чаҳорумдан этарлар ҳисоб,
 Аҳли хирадманд ба ҳукми китоб.
 Толеидур Зухраи қонун навоз,
 Хонаи ишратдан эрур сарфароз.
 Ойнаи чехраси пок аз ғубор,
 Сайқал ила соф, занг ғамидин ор.
 Файзи ҳақосор мазороти кўб,
 Мадфун ўлан кутби кубуроти кўб.
 Мавзеи маъриф бир оли макон,
 Хоки анинг хуни шаҳидон нишон.
 Номи анга машҳур ҳамаси зи кубур,
 Мужтаҳиди даҳр, аммо фи зухур.
 //8^b Анда мадфун ўлунуб қабр аро,
 Марқади нуридур жаннат фазо.
 Яна Маъоз ибн Жабал²⁸²⁸ дур ясор,
 Тобти расул ҳукмила мунда қарор.
 Эрди саҳоба азим, тожи дин,
 Пешвари лашкару, сандал нишин.
 Яна икки мўйи шарифи расул²⁸²⁹,
 Бўлди худо лутфи ила мунда нузул.
 Уч юз етмиш икки асҳоб ҳам,
 Қўйди бу мулки муҳтарам узра қадам.
 Бўлди шарофатда Мадина мисол,
 Ўлди етти иқлим ҳусниға кўнгил лол.
 Ўзга балда муни таманносида,
 //9^a Қолди тахайюр била ғавғосида.
 Етмади мардумлари орзу қилиб,
 Ҳасратидин кўз ёшини сув қилиб.
 Мағрибида салтанат оро Хўқанд,
 Шоҳи, жаҳон шоҳларидин аржуманд.
 Машриқида шаҳри Хўтан²⁸³⁰ бирла Чин,
 Арз этадур лаҳза ипар оҳусин.
 Эрди шимолида муҳити равон,
 Гавҳари кўб қаърида лаъли гарон.
 Суйи ясорида ҳамма дашту-тоғ,
 Сим ила олтун бўлур андин суроғ.
 Кули балодан муни ё Раб мудом,
 Сақлағил осойиш аро бардавом.

//9^a Камина роқими ҳуруф Фарғонани тарих ва таворихларидан хабардорлигим бор учун ва ҳам баъзиларин муътамад одамлардан эшитиб ва баъзисин ўз кўзум ила кўруб келгоним сабабли журъат майдониға қаламим жавлонсоз ўлуб, таҳрирга келтурмакни кўнглум саҳифасига жойгир этдим. Абёту адабиётдан огоҳлиғим бўлса ҳам, китобимни наср силкига тортуб, тарихлардан зарур жойларини интихоб айлаб қисқалиғ бирла мухтасар этуб хони воложоҳларни ўз замонларида ўтган шуароларни воқеалар тўғрисиға бойлаган тарихларини дарж этим. Умидийни умиди буқим, шояд шаҳид ўлмиш

²⁸²⁸ Маъоз ибн Жабал – ислом пайғамбари Муҳаммаднинг саҳобаларидан бўлган.

²⁸²⁹ Пайғамбар соч толаси олиб келинганига ишора.

²⁸³⁰ Хўтан – Шарқий Туркитондаги шаҳар номи.

хон-хонзодаларни руҳи пур футуҳлари бу ожизу //10^a нотавондан хушнуд ўлур, сабаб мустаҳик шафоатлари ўлгай, Омин ё Рабби-л-оламин!

Тарихларни ўқуб, ўтган замонлардан хабардор бўлган хирадманд зотларни икки умр топиш ҳисоб қилурлар. Саҳвимни кечуриб дуодан ташламағайлар деб умид айларман.

Тарихларни кўргузулари шулки, Фарғона мулкида ўтмиш Хўқанд хонларини Олтун бешикдан олурлар. Олтун бешикни яна ўзга номларини Хумоюн султон ва яна фавже Амир Эли султон деб ва баъзилари Тангриберди султон ном атағонлар. Насабини Бобир хонга еткузурлар, баъзи муаррихлар бевосита Бобир хонга фарзанд қилурлар. Баъзилар Олтун бешикни, Олтин //10^b бешик ибн Муҳаммадмуқим мирзо ибн Муҳаммадҳаким мирзо ибн Хумоюн подшоҳ ибн султон Зоҳириддин Бобирхонга бевосита олиб болурлар. Ҳар чи ҳоли мўғулия хонларидурлар туркистонлиларни уламо ва машойихлари ва саййиду содотлари, акобир, ашроф, аъёни мамлакат, ҳамма фирқаларини улуғлари инқиёд айлаб, дасти байъат бериб келганлар.

Мақсуд шулки, мазкур Олтун бешикдан ушбу вақтгача ўтуб келган, Олтун бешик авлодини машҳур ва маъруфларини қисқа ва мухтасарлик бирла баён ва аён айламоқдур. Таворихлар айтурлар Олтин бешикни ўғли Тангри ёр султон, баъзилар Худоёр султон, баъзи қавлда султон Элик хон Худоёр //11^a султонни султон Эликга фарзанд деб атарлар. Би аййи ҳол, Тангриёр султонни олти яшар болалигида манзури назари кимиё асари ҳазрати Махзуми Аъзам (Косоний) бўлган дерлар. Жаноби Махзуми аъзам дар ҳаққи Тангриёр султон кўб дуо қилғонлар. Тангриёр султондан икки фарзанд вужудга келди, бири Муҳаммадаминхон ва дигари Ёрмуҳаммад султон. Тангриёр султонни муҳаббати Ёрмуҳаммад султонга бештар эди, бу важҳдин Муҳаммадаминхон малоли хотир ўлуб, озими Бухорои шариф бўлди. Нечанд жавонони ҳавохоҳлар мутобиат этуб бирга жўнадилар. Ҳижрия 1048/1638-39 да доҳили Бухоро бўлдилар. У замонда Бухоро хони Сикандар Жонибек²⁸³¹ султон эди.

Муҳаммадамин хонни қадимини фоли нек қилиб, яхши пешбоз олди. //11^b Бир неча замондин сўнг Сикандар Жонибек султон мамлақати Хоразмни Муҳаммадамин хонга арзоний айлаб, тавфиз этди. Муҳаммадамин хондан бир нозанин манкуҳаси Фарғона мулкида ҳомиладор бўлиб қолган эди. Дар соати маъсуд бир фарзанди нарина вужудга келди. Номини Абулқосим қўйдилар. Тангриёр султон шароби марғни аз дасти соқийи қазо нўш этди. Тожу тахту салтанат Ёрмуҳаммад султонга қарор топди. Аммо Ёрмуҳаммад султон маснади ҳукуматга ўлтурди, дастури-л-амали гузаштагонларин ба ихмол айлаб ва расуми шароити раъиятпарвари ва қавонини тариқи адолатгустарини мансух айлаб ҳамма авқот умрини шоҳидони гулўзори шуъбадакирдори фасод шиъорлар ила ўткарди. **Маснавий:**

//12^a Шабу рўз нишаста дар як мақом,

Қадаҳ нўш бо хубруён мудом.

Занону жавонони неку ҳисол,

Бо ў ёр буданд дар кулли ҳол.

Бу сабабдин ҳамма арқони давлат би-л-иттифоқ Ёрмуҳаммад султонни тахтдан маъзул айлаб, ўрнига Абулқосим хон ибн Муҳаммадамин хон саккиз ёшида вужудига ҳукумат тожи бирла зийнат бердилар. **Байт:**

Ки дар гудаки шоҳи Фарғона шуд,

Сазовори авранги шоҳона шуд.

[Гўдаклик жоғида Фарғонада шоҳ бўлди,

Шоҳона тахтига ул сазовор бўлди].

Ўн йил ҳукумат даврини сурди, насақ ва равишидан томоми узбакия ризо ўлуб, асари сидқи инқиёд қилдилар, Султон Кучек лақаб қўйдилар. //12^b Ёши ўн тўқузга етиб эрди тундбоди ажал домангир бўлуб(ўлди), андин уч яшар фарзанд, Убайдуллоҳхон ном, боқи қолди. Назди баъзи Асилзода ном ва баъзи муаррихин мулаққаб Тунчэк шоҳ дедилар, чунки ғайр аз ў натойижи хонадони бузург ва дудмони Бобури мавжуд эмас эди. Ночор акобир ва асоғир иттифоқ этиб тахти фармон деҳлигини ани номига ораста қилиб, васий тайин қилдилар. Абдуллоҳхон номидан ўзгартиб Султон Асил ном қўйдилар. Бо хоҳиши Рабби жалил азза шонаху, уч ёшида тахтга ўлтирганча 32 йил ҳукмдорлик этди. 35 ёшида шаҳбози ажал муни ҳам доми тазвирига гирифтор айлаб, нечанд //13^a фарзанд ёдгор қолди. Улуғини номини Шоҳмастбек дер эдилар. Тасмияи Шоҳмаст шулки, хангомики модаридан таваллуд бўлғонда осори жазабаи ишқу-муҳаббат истиғроқи жамоли бемисли ҳақиқий аз носияи аҳволи бу гўдақдан мушоҳада айлаб Шоҳмастбек ном қўйғон эрдилар. Ба ҳадди камол ва даражаи балоғатга етди, бо ҳукми хилқати зотий ва жабиллати аслий, тоат ва риёзатни аз ҳадди эътидолдин ўткарди.

²⁸³¹ Сикандар Жонибек – шайбонийлардан (ваф. 1561). Искандарбек отаси.

Туркон ани Чамашбек хитоб қилдилар. Чамаш бий ҳам дер эдилар, «Муаййад ал-фузалол»(номли луғатда), – «Чамаш/Шохмаст ба маънойи маст омада, ба маънии шўх ва далир низ»(Чамаш маст маъносида, шўх ва жасур маъносида ҳам келган) истемол қилурлар(дейилади]. Алқисса, Шохмаст ва Чамаш ҳар иккиси бир маъно ва бир номдир.

Алқисса, Чамаш бек айёми жавонлик ва баҳори маишат зиндагонлик хоҳиш нафси шахватини барҳам уруб ба нируйи //13^б тоат ва тиғи риёзат жаҳри нафс қилиб, дасти иродатни ба мавлоно Лутфуллоҳ Чустий²⁸³² га берган эди. Шариат бандалиғини шунча дастгоҳи умури ҳукмдорлиғ ила ба зужайи атмам тағдимиға еткурур эди. Ҳамма вақт аҳволи фуқаро ва раъиятдин бохабар эди, ҳамвора уламо ва фузалолар бирла суҳбат қурур эди. Шул тариқа ила ўн уч йил ҳукумат қилди 40 ёшида жавори раҳмати илоҳига уланди. Равваҳаҳуллоҳу руҳаҳу. Равзаи мутабарракаси дору-с-салтанат Хўқанди фирдавс монандни жониби ғарбида, бир тош шаҳардин ташқаридур. Халафи бир ўғул Шаҳруҳхон ном эди, шужоъ ва далир фарзона эрди, отаси ўрнига ултуруб фуқаро ва раъиятни дар маҳди осойиш тарбият қилур эди. Соли сини 55 ёшида рахти //14^а сафарни охират боғлади. 23 йил ба риояи рафоҳияти оммаи фуқаро ва кофаи бароё ҳукумат қилиб баъд аз он навоий – «Сен рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг (хузури)га қайт»²⁸³³ – қулоғига етди ва валади рашиди Ҳожихон маснади хилофати отасига ўлтурди. Номи асли Рустамхон эди. Номи некини оламга шойеъ қилди, узоқ умр кўрди, баъда дафтари умри ихтитомга етди. Оғози давлати анжомга тортди. Андин ёдгор икки ўғул қолди. Бири Ашурмуҳаммад бий *оталиқ* ва бири Фозил бек *оталиқ*. Одати хонҳойи муғулия ва узбакия Фарғона буки, «бий», «*оталиқ*», «*валинаъми*», «*мирзо*», деб лақаб ва амалларини номларига қушуб айтарлар. Ҳар икки шахзодани тахтга ўлтурғизмоқ акобирлар орасига ихтилоф булғонда, Фозилбий *оталиқ* дафъатан ўридан туриб одоб мақомида //14^б дедик, – «Эй холойиқ билиниг ва огоҳ бўлунг мен дасти байъатни Ашурмуҳаммадхон биродаримга бердим, мени авлодим баъда-л-йавм батнан баъда батнан, қарнан баъда қарнан, ила йавма-л-вақти мунтаҳии давлат аз жодаи давлатхоҳи ва хизматкориликдан инҳироф қилмасунлар», – деди.

Алқисса, бу муқаддимадин сўнг Ашурмуҳаммадбийни қадди қомати тожу-тахт бирла оройиш топди. Ашурмуҳаммадхон андоғ подшоҳлиғ қилди-ки шухрати нек номлиги оламга фош бўлди, раоё ва бароё ҳамма масрур ва шодоб эрдилар. Баъд аз ин умри пойдорлик этмай олами фонийдан падруд этуб олами боқийга рихлат қилди. Андин бир ўғул ёдгор қолиб, ирсан номи жадди киромии у Шохруҳ хон эди, маснади хилофати отасига ўлтुरुб, андоғ доду адлға кўшиш қилдики, //15^а фуқаро ва масокин барча ҳақиға кўл кўтариб, дуои «ло яъда ва ло йаҳса» адо қилур эрдилар. Ақлу донишда бе назир эди, шужоъ ва делирликда ҳамтоси йўқ эди. Илгари замонларда неча деҳа ва шаҳарлар гарданкашлик қилғон эдилар, бу хон замонида қайтадан тамоми турку тожику узбак мутиъ, фармон пазир бўлдилар. Айтурларки, султони замонни ҳукумати 13 йил эди. Ҳаёти қирқ йил бўлуб, марги табиий бирла оламдин рихлат қилди. Мирзо Маъсум Косоний муншиёни даргоҳи олий (қаторидан) эди ва маддохони шахриёри султони жаҳон паноҳий эди, бу тарихни султонни вафотига рақам этди.

Таърих:

Агар хоҳи ҳусули соли фавти Шохруҳ султон,

Шавад равшан зи нақди «Шохруҳхон» бекаму нуқсон.

//15^б Домулло Бозор охунд Намангоник, султондин озурдахотир эди, Султонни вафоти масмуи бўлгач, - «Хирс кай мурд» - деди. Бу дегон сўзи шоҳга тарих тушди. Мулла Ниёзмухаммад Хўқандий таворих китоб ёзиб, «Тарихи Шохруҳий» ном қуйуб, бу подшоҳ исмига мусаммо қилиб атади.

Бу подшоҳи олийшондан уч уғули гаронмояси ёдгори арсаи офоқда боқи қолиб, каттаси Абдурраҳимбек, ўртанчаси Абдукаримбек, кичики Шодибек дер эдилар. Катта ўғли Абдурраҳимбек Дехқонтуда ном деҳада истиқомат қилур эди. Шаҳри Хўқандни ғарб ва шимолида воқеъдур дору-с-салтанатга қарийб уч тошлик жой келадур. Андин келтуруб подшоҳ кўтардилар.

(У) диловари пур дилу ғайур эди. Қачонки Абдурахим //16^а хон аморат паноҳлиғ қилди, хамшираси Хўжанд²⁸³⁴ да Оқбутабийга тушган эди, ба зўри бозу Хўжандни мусаххар айлаб Оқбутабийни қатл еткуруб, Хўжандни укаси Абдукаримбекка тафвиз қилди. Ўшал замонларда Хўқанд нообод эди, хони Таҳури шердил, Хўқандни ободон бўлишига кўб саъйи балиғ этди. Марғилонни кичик укаси Шодибекга муқаррар қилди. Ҳамадин дилжам бўлуб, Андигонга, Андижон исми ила машҳурдур, инони азиматни Андижонга тортиб, бе адабларга танбеҳ ва гўшмол бериб баъдаху роҳи дашти Сарикўрғон ила ўтуб, тобеи Бухорога шўришлар солиб, вилояти Самарқандни

²⁸³² Мавлоно Лутфуллоҳи Чустий (ваф.1572) нақшбандия тариқатининг йирик намояндаларидан.

²⁸³³ Қуръони карим, 89:28.

²⁸³⁴ Хўжанд – ҳозир Тожикистоннинг Суғд вилояти маркази.

сахл даража ила фатҳ этуб, мутаважжиҳи Каттакўрғон бўлуб, ани ҳам //16^б мусаххар айлаб, баъд аз он инони якронни ба сўйи Шаҳрисабз қилди. Ўшал вақт вилояти Кешда Ҳаким Букрини биродари Иброҳим *оталиқ* ҳукмронлик қилур эди. Раҳимхонни келуридин вуқуф топиб, омодаи жанг бўлди. Раҳимхони шердил наздики вилояти Кеш, яъни Шаҳрисабз бўлди, ажлос кўргузиб нузул қилди. Икки тарафдин баъзи одамони аҳли салоҳ ҳавоҳоҳлар миёнларига тушуб тарҳи ошнолиғ солдилар, Ҳакимбий биродарини қизига Ой чучук ойим дер эдилар, Иброҳим *оталиқ*га мақбул айлаб, Раҳимхонни ҳуболаи никоҳига ақд боғладилар. Дар камоли латофат ва хўблиқда назари йўқ эди.

Раҳимхони соҳибқирон обрўйи тамом бирла Шаҳрисабздин мурожиат этуб озими дору-с-салтанат Хўқанд бўлди. Мардум //17^а хони воложоҳга соҳибқиронлиғ лақабини бердилар. Йўлда келур эди табиатига касал ориз бўлуб, Самарқандда тўхтамай, Аннакули *додхоҳ*²⁸³⁵ ни ҳокими Самарқанд айлаб, жўнаб Хўжанд келди. Касали жунунга ойид бўлуб, бир неча вақт Хўжанд аркида иқомат айлаб етгонда баъзи намак ҳаромилар хонни шаҳид этуб, тожи саририга биродари Абдулкаримхон мутамаккин бўлуб, оғоси мурдасини Хўқандга келтуриб иззати тамом ила дафн этди.

Раҳимхони соҳибқиронни муддати ҳукумати 10 йил бўлуб, 33 ёшида гирифтори сайди ажал бўлди. Бир ўғул мавжуд қолиб, номини Эрдонохон дер эдилар. Бухоро хони Абулфайзхон²⁸³⁶ бирла ҳамаср эди.

Алқисса, Абдулкаримхон ибн Шохруҳхон //17^б маснади тахтда қарор топди, тожи шоҳини бошига қўйди. Нармхўйлик ва дилжўйликни ўзига пеша қилиб муросо ва мадоро бирла ҳукумат сурди. Ой чучук ойимки, Раҳимхонни хотуни эди, никоҳига олди, шул айёмда Қошғар²⁸³⁷ вилоятида Ой хўжа ва Кун хўжа²⁸³⁸ Махдуми аъзами²⁸³⁹ хўжалар ҳукмронлик қилур эдилар, хитойлар хуруж айлаб кели, мазбур хўжаларни шаҳодатига еткуруб, Қошғарни тахти тасарруфига олдилар. Тоғлик ном тоифа кўчуб Хўқанд келиб жойгир бўлдилар. Аксар фирқаи мардуми Хўқанд, самарқандий ва қошғарий, чонкатий ва куҳистоний дурлар.

Қисса мухтасар, хитойилар Қошғар ишидан фориг бўлиб, баъдаху Хўқандни муҳосарасига иқдом кўргузуб кўб замон жангу-жадаллар бўлуб, ололмай ёндилар. //18^а Шодихонки, Абдулкаримхонни биродаридур, Марғилон ҳокими эрди, бу жангда қазову қадари етуб шаҳид бўлди.

Ўратефа/Ўратепа ҳокими Фозилбий валинеъма ибн Содикбий йуз²⁸⁴⁰, ки жаноб Абдулкаримхонни фарзандхонди эди, бу жангда шойиста хизматлар кўргузди. Бу замонда Нодиршоҳ эрони²⁸⁴¹ келиб, Бухорони фатҳ айлаб, тасарруфига олди. Абулфайз²⁸⁴² хонни шаҳодатга еткуруб,

²⁸³⁵ Додхоҳ – дод, адолат истовчи. Саройдаги амалдор. Барча ариза ва сўровларни хон (амир)га етказиб, жавобини олиб чиқадиган шахс. Маҳаллий ҳокимларга ҳам кўпинча шу унвон берилган.

²⁸³⁶ Аштархонийлардан. 1711-1747 йй. Бухоро хони.

²⁸³⁷ Қошғар – Хитойнинг Синьцзян-Уйғур мухтор республикасидаги шаҳар.

²⁸³⁸ Ойхўжа ва Кунхўжа – Оффок хўжа ўғиллари – Хон хўжа (Хўжа Яҳё ибн Хўжа Ҳидоятуллоҳ ибн Хўжа Муҳаммадюсуф ибн хўжа Муҳаммадамин ибн Махдуми Аъзам Даҳбедий ва Кун хўжа (Хўжа Бурҳониддин)лар назарда тутилмоқда.

²⁸³⁹ Махдуми Аъзам – Мавлоно Хожаги Косоний – Жалолоддин Махдуми Аъзамий – Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолоддин Косоний Даҳбедий, (1463/64–1542)нинг қабри Даҳбед кишлоғидадир. Самарқанд ҳокими Жонибек Султон томонидан Самарқандга таклиф этилган. Ўғли Искандар Султон уни ўзининг пири деб эъзозлаган. Махдуми Аъзам 78 ёшида шу Даҳбед кишлоғида вафот этган.

²⁸⁴⁰ Юз(лар) – қабиласи – Ўратепа шаҳри, Зомин, Бахмал, Булонғур атрофи билан биргаликдаги худудда жойлашган кучли қабилла бўлган. Улар қирқ қабиласи билан бирга ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири. Тарқоқ ҳолда Самарқанд атрофида, Панжикентнинг жанубида, ҳозирги Ғаллаорол, Жиззах, Зомин ва Ўратепа худудларида яшаганлар. Қирқ уруғи кўпинча йузлар билан аралашган ҳолда яшаганлар. Шунинг учун ҳам кўпгина манбаларда “қирқ йуз” номи билан ҳам маълум. Қирқ, йуз ва минг қабилалари марқа деган умумий ном билан аталган. Қирқларнинг этногенези Дашти Қипчоқ ўзбеклари билан боғлиқ. Қирқлар ўтмишда бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари: оқ-қўйли, қора-қўйли, қора-сирак, қорача, олмаса-ун, чапарашли ва б. Улар XX асрнинг бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, чорвачилик билан, бир қисми тоғ ён бағрида, адирларда яшаб, лалмикор ва суғорма дехқончилик билан шуғулланишган.

²⁸⁴¹ Нодиршоҳ – Нодир подшоҳ – Нодиршоҳ Афшор (1688.22.X, Дерегёз – 1747.20.VI, Хабушон) – Эрон шоҳи (1736-47), кизилбошлиларнинг афшор қавмидан бўлган. Хуросонда ҳарбий кўмондон сифатида ўз фаолиятини бошлаган. 1726 й.да сафавийлар шоҳи Таҳмосп II (ҳукмронлик даври: 1722-32)нинг ҳарбий хизматида ўтиб, Машҳаддан афғонларни қувиб чиқарган. Ҳиротдаги афғонларнинг абдал ва Хуросондаги туркман қабилаларига қарши курашда ғолиб келган (1729). Эронни босиб олиш учун уруш бошлаган Усмонли турк султонлигига қарши самарали кураши Нодиршоҳнинг нуфузини оширган (1730-31). Таҳмосп II ни тахтдан ағдариб, унинг ўғли Аббос III ни шоҳ, ўзини эса унга ҳомий (регент) деб эълон қилган (1732). Турклар билан уруш тугагач, Эрон шоҳи бўлган (1736). Нодиршоҳ сафавийлар давлати ўрнида Эронда марказлашган йирик давлатга асосланган империя ташкил қилган. Қўшни давлатларга қарши талончилик юришлари ўтказиб, Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Доғистон, Афғонистон, Белужистон, Ўрта Осиёнинг катта қисми, Шимолий Ҳиндистонни босиб олган. Бухоро хонлигига қарши унинг юриши дастлаб муваффақиятсиз тугайди. Нодирнинг катта ўғли Ризоқули мирзо 1200 кишилик лашкари билан Амударёдан ўтиб, Қаршини қамал қилган. Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ ва Бухоро хони Абулфайзхон шаҳар ичида туриб душманга қарши курашганлар. Бухороликларнинг иттифоқчиси Хива хони Элбарс (ҳукмронлик даври: 1728-1740) катта қўшин билан етиб келгач, Ризоқули мирза шошилини сулҳ тузади ва орқага қайтади (1736). Бироқ Нодиршоҳнинг ўзи катта қўшинга бош бўлгач, Балхни эгаллаб, Бухоро устига юриш қилганида уни Муҳаммад Ҳакимбий ва ўғли Муҳаммадраҳим қўллаб-қувватлайди (1740). Бухоро устидан сиёсий ҳокимият ўрнатилгач, у Хива

ўрнига ўғли Абдулмўминхонни тахтнишин айлаб Раҳимбий манғитни вазири аъзам қилиб ёнди. Баъда андак фурсатда Абдулмўминхон ҳам қатлга етуб, давлати Бухоро хону салотиниялардан инқироз топиб, манғитлар²⁸⁴³ га интиқол айлади. Баъзи қавлда хонни салотиния кўзига нил тортғон деюрлар. Абдукаримхон андоғ хон эдики, малоиксифат, қудсийсийрат хотамхиммат, //18^б Нўширавонадолат, Афлотунхаёл, руҳонимисол, ҳамидафиёл, сутудаатвор эди. Ҳамнишини Сўфи Оллоёр ва домла Олим Конибодомий ва домла Закий Хўжандий эрдилар. Хўқандни таъмири бу хони олийжоҳдин қолди. Фузалойи дақиқат шиорлар тарихи Хўқандни биносини «мазҳар обод» топибдурлар. **Таърих:**

Бар он хатм шуд мансаби сарварий,
Ба Абдулкарим он шаҳи Бобурий.
Бино кард шаҳре ба он обу ранг,
Ки зад шишаи ҳафт кишвар ба санг.
Аз он, таъби аҳли сухан шод шуд,
Ки тарихи ў «мазҳар обод» буд²⁸⁴⁴.

Айтурларки, 40 ёшида, баъзи 30 ёшда вафот //19^а этди деб. Айёми ҳукумати 12 йил, қавли «Мунтахабут-таворих»²⁸⁴⁵ да 8 йил дерлар. «Албатта биз Аллоҳ нинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз»²⁸⁴⁶.

Подшоҳнинг вафотига мирзо Маъсум Косоний шул тариқа рақам этибдурлар. **Таърих:**

Подшоҳиро ки майли хотираш,
Буд хушнуди халлоқи ҳаким.
Сар кашид аз дори фоний, акл бигуфт,
«Ҳайф аз шаҳаншоҳии Абдулкарим»²⁸⁴⁷.

Бу подшоҳдин бир фарзанди ҳумоюн ахтар, фаррухсияр ёдгор қолди. Номи мавсуми Абдурахмонбек эди, байну-л-акрониди мумтоз эрди. Эрдонахон ибн Раҳимхон ўлтурганида бу шахзодаи дури гаронмоядан хавф-ҳароси зиёда ўлуб, қатлга етқурган эди, то бир йилгача ҳамма каттаю //19^а кичик шахзода сўғида мотам тутиб, ёдға олиб, зор-зор бўзлар эрдилар. Бу шахзодаи марҳумдан уч фарзанди норасида боқи қолди. Каттаси волиди амир ал-муслимин Норбўтахон ва

хонлигига қарши юриш қилади. Хонқани эгаллаш пайтида Хива хони Элбарс ўлдирилган (1740). Нодиршоҳ ҳукмронлигига қарши Хива ва Бухорода бир неча марта кўзғолонлар кўтарилган. Эронда ҳам ички низолар ва сарой фитналари кучаяди. Нодиршоҳ Хуросон ноиби, ўзининг жияни Алиқулихон томонидан Машҳадда ўлдирилган. Алиқулихон ўзини Одилшоҳ номи билан шоҳ деб эълон қилган. Нодиршоҳнинг ўлими билан Эрон давлатининг марказлаштириш жараёни тўхтаб қолган. ЎЗМЭ. Том 6. Тошканд: ЎЗМЭ. 2003. – Б. 379.

²⁸⁴² Абулфайз – аштархоний хонларидан (1711-1747).

²⁸⁴³ Манғит(лар) – Манғит/манғития – Манқит/манғитлар – йирик қабилалардан бири. Ўзбекистон ҳудудида Бухоро воҳаси ва Қарши атрофида, Зарафшоннинг қуйи оқимида, ўрта оқимида, Чоржўй туманида, Жиззахда, Хоразмда яшаган. Минглар қорақалпоқлар ва Шимолий Кавказдаги нўғайлар таркибида ҳам бўлган, бир қисми эса Шимолий Афғонистонда яшаган. Ўзбекистонда яшовчи минглар бир қанча йирик ва майда уруғларга бўлинган. Энг йириклари: оқ манғит, оч манғит, қора манғит, чала манғит, бойгунди манғит. Булардан ташқари темирхўжа, исобой, гаулак, кўса, тоз, қорабайир, бақирчи, кула, тамғали, манғит қозок, ўн икки чўқай, гала ботир, бешкал, чобакчак, уз, увалай ва б. Манғитлар Бухоро хонлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Бу қабилла Қашқадарё вилоятида ҳам кучли ва ҳукмрон қабилалардан бирига айланган. 1753–1920 й.ларгача Бухорони идора қилиб келган хонлар манғитларнинг тўқ уруғидан бўлган, шу сабабли хонликда катта имтиёзларга эга эдилар. Мазкур сулоланинг намояндалари аввал Бухорода оталиқлик мансабини қўлга олганлар. Кейинчалик чингизий хонларни тахтдан тушириб, ҳокимиятни ўз қўлларига олишган.

Манбада тилга олинган манқит/манғит, минг, юз, кўнғирот каби ўнлаб туркий уруғларнинг келиб чиқиши Дашти Қипчоқда Жўжихоннинг набираси Ўзбекхон Султон Муҳаммад (тахм. 1282–1342) – Олтин Ўрда хони (1312–1342) Мангу Темурхоннинг набираси номи билан боғлиқ. Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми (жанубий-ғарбий Сибир)да Абулхайрхон асос солган (1428) давлат ва унинг аҳолиси “ўзбек улуси” дейилган. Пойтахти – Чинги-Тура (ҳоз. Тура) шаҳри. 1428–1446 йилларда ўзбек улусига Орол денгизининг шимолий қирғоқларидан Иртиш дарёсининг ўрта оқимларигача, шарқда Сарису ва Чу дарёларида ғарбда Ёйиқ (Урал) дарёсининг сўл соҳилларигача бўлган ерлар қараган. Ўзбек улуси уруғ-қабилачилик муносабатлари асосида барпо этилган. 92 бовл (эл-улуси)дан иборат кўчманчи мусулмон туркий халқларни Марказий Осиёда “ўзбек” номи остида тилга олишган ва 1924 йилдан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон ана шу халқ номи билан атала бошлади. Шунинг учун мазкур асарда муаллиф “ўзбек” номи остида тилга олган аҳоли Ўрта Осиёдаги ана шу уруғ вакиллари билдиради. Бу ва бошқа тарихий асарларни ўқиганда “ўзбек улуси”ни ҳозирги ўзбек миллати билан адаштирмаслик лозим.

²⁸⁴⁴ Абжад 1153 сонни беради.

²⁸⁴⁵ “Мунтахабут-таворих” муаллифи Муҳаммад Ҳакимхон ибн Маъсумхон тўрадир. Муфассал қаранг: Муҳаммадҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих. / Форс-тожик тилидан таржимон, кириш, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш. Воҳидов. - Тошкент: Янги аср авлоди. 2010. – 720 б

²⁸⁴⁶ Қуръони карим, 2:156.

²⁸⁴⁷ Ҳижрий 1164 йил рамазон ойида/1751 йил 24 июль–23 август Абдулкаримхон вафот этган.

Ҳожибек, ки бобойи Худоёрхон ибн Шермуҳаммадалихон ибн Ҳожихондур. Дигари Шохруҳбек эди. Ҳожихон авлодини баёни анқариб зикр топқай.

Таворихлар айтур: қачонки Абдулкаримхонни таъзиясидан фориғ бўлдилар тахти саририга Эрдонохон жулус этди. Эрдонохон андоғ хон эрдик, ақл фаросатда бе назир, ғаюр, соҳибнусрат, зафарқарин ва жалодатойин хон эди. Нишони ҳукумати то худуди Самарқанд ва Бухоро жорий эди. Қавли «Мунтахабут-таворих» – муддати умри 36 йил ва замони ҳукумати 10 йил //20^a эди. Фарзанди қолмади. **Таърих:**

Эрдоно шоҳи диловар, душман сўз,
Буда ба муҳолифон олам фирўз,
Аз тожи жаҳон гузашта шуд тарихаш,
«Мурд он малик, кушандаи фирқаи юз»²⁸⁴⁸.

Қачон Эрдонохон марҳум бўлди, ўшал вақт Ирисқулибий ибн Дўстмуҳаммадбий Марғилон ҳокими эди. Абдурахмон баҳодир Хўжанд саркардаси эрди, ҳар иккиси иттифоқ бо ҳамдигар ўлуб, Сулаймонбек ибн Шодихон шаҳидни маснади ҳукуматга ўтқаздилар. Сулаймонбек марди бе мурувват ва бе кифоят эди. Кори мулкдорликга парво қилолмади. **Байт:**

Фарози тахт нишастан осон нест,
Дар ин мақом босе эҳтиёт бояд кард.

//20^b Умаролар кўрдиларки, қобилияти йўқдур ночор тахтдан ори айлаб ҳамма би-л-иттифоқи арқони давлат ва аёни мамлакат шаҳзода Норбўтахонни аморат тахтига ўткузуб дасти байъат бердилар.

Амир ал-муслимин Норбўтахони дарёдил, доду адлга шундоғ машғул бўлуб шуғл кўргуздики, қўй бирла бўри бир жойда ҳамхона ва ҳамсоз бўлдилар. Бу баланд иқбол хонни замонида Фарғона мулки маъмур бўлуб халқи ғаниликда, барча фароғатда эдилар. Бу шоҳи олийни сифатини қалам нўғи ёзғон била тугатолмас эрдилар. Бул подшоҳни номи некини, овозаи адлини эшитган халқ ҳар диёрдан келиб Фарғонага мутамаккин бўлуб, фуқаро бул маконни ўзларига лозиму-лобиди билур эрдилар. Ҳар шаҳарда хутбани номи некига баланд овоз ила аз сидқидил ўқир эрдилар. Ямонларни //21^a танбеҳ айлаб, зулм беҳи бунёди ила барҳам бериб, фуқаро ва масокин пешонасидин марҳамат ва шафқат илкини кўтармади, мутасаб жами ахлоқи ҳамида ва хисоли писандида бирла ораста эрди.

Назм:

Маъдалаташ баст ба бозуйи хеш,
Гардан диҳи гург ба як мўйи меш.
[Адолат қўли шундай эдики,
Бўри бир қўй сочи толаси учун бошин берарди].

Айёми таваллудиға Маҳмуд мирзойи «Шўхий» тарихи ғоят хуб топиб, рақам қилибдур.

Тарихи таваллуди Норбўтахон:

Шўхий ба хайра мақдами тарихи хусравий,
«Милоди шаҳзодаи Хўқанд» зад рақам²⁸⁴⁹.
[Шўхий хусравни оламга қадам босгани учун,
«Хўқанд шоҳзодаси таваллади», деб ёзди тарихин]

Ҳар қаю душман тарафига отланса зафар ила нусрат жиловиди ҳамрикоб эди.

Айтурларки, биродари айни(си) Ҳожибек кунлардан бир кун бошига ҳавойи аморат тушуб, шаҳзодалик томурига ҳаракат кириб, оғоси амир ал-муслимин Норбўтахондан //21^b юз ўгируб, ўзиға қарашли хизматкори жон сифорларини олиб, яроғ-аслаҳа бирла мукамал бўлиб, отланиб, Андижон сари равона бўлуб, бир мунча фурсатида лашкар қўшуни билониҳоя жам айлаб, хонлик шўхратини кўтариб аламу кўси муҳолифатликни навозишга келтирди. Бу хабари муваҳҳашасар Норбўтахони соҳиб виқор жанобига маълум бўлуб, қушуни шавкатмаоб шуқуҳи била иктисоб бирла Ҳожихон устига юриш қилди, ҳануз бир-бирларига рў-барў бўлиб орага ноҳақ хунрезлик бўлғонча йўқ эди, икки тарафдин хайрихоҳлар орага кириб ошти қилдилар. Ҳожихон тортиқу пешкашлар ила келиб оғоси амир ал-муслиминга кўриниш бериб узр маъзур этди. Норбўтахон камоли шавкат ила //22^a укасидан ўтганини авф этиб, ҳол аҳвол сўраб, баъда дастурхонга ўлтурдилар. Норбўтахон укаси Ҳожихонга таомдин тановул қилмоқни таклиф қилғонда, укаси Ҳожихон қўл сақлаб, акасидин илгари таомга қўл сунмоққа одоб кўргузди. Туркистонлиларни одатидирки ўзидан муқаддам, мартабаси улўғдин илгари таомга қўл сунмаслар, пешдастлик қилмаслар. Бу одобни подшоҳи одил укасидан кўриб, меҳрибонлик юзидин деди: – «Эй, жигаргўшам камина оғангиздан илгари таомга қўл

²⁸⁴⁸ Тарих санаси 1164 дир.

²⁸⁴⁹ Нар Баҳодир – Абдулҳамидбек 1716 йили оламга келган.

сунмассиз, одоб кўргузурсиз, аморат бобида дурандишлик қилмадингиз-му? Сабр килинг, тақдири илоҳи бирла насибангиз бўлса, оғангиздан сўнгра аморат //22^б паноҳлиғ сизга муяссар бўлса ажаб эмас. Лойиқ ва сазоварсиз», – деб ородан ҳамма кудуратларни кўтариб, минбаъд иттифоқлик ила маишат этдилар. Ул вақтда Бухоро амири Шоҳ Муродбий²⁸⁵⁰ эди. Амир ал-муслимин Норбўтахон бирла шоҳ Муродбийни ораларида мусолиҳа бор эрди, иттифоқ эрдилар. Амир ал-муслиминни фарзанди аршадлари Муҳаммадаминбек Марғилон шаҳрига ҳоким эдилар. Иккинчи фарзандлари амир Олимхони шердилға Тўрақўрғон ҳокимлиғини тафвиз қилди. Шаҳзода Умархон²⁸⁵¹ и жаннат макон балоғатга етганлари йўқ эди. Муҳаммадаминбек шул тариқа шаҳзодаи олийнасаб, фозил, соҳиби фаросат эрдик мисли йўқ эрди. Гоҳо базми жамшиди ани суҳбатидан ҳувайдо бўлур эрди. //23^а Ҳилми виқор бирла ораста ва фироста эрди, хайфки тундбоди ажал домиға, ёшлик ва навниҳоллик мавсумида гирифтор ўлди. **Тарихи Муҳаммадаминхон:**

Муҳаммадаминхони жаннатмакон,
Замоне ки барбаст рахт аз жаҳон,
Хирад гуфт тарихи он зуфунун,
«Зи иқлими Фарғона шаҳ шуд бурун»²⁸⁵².

Айтурлар амир ал-муслимин Норбўтахон баъзи қавлда 48 йил ва баъзи қавлда 49 йил умр кўриб, қарийб 35 йил давр суриб сана 1215/1800-01 ҳижрида сарои ғурур жаҳонидин равзаи дор ул-жинонға хиром қилди. Навараллоҳу марқадаҳу!

Шуарои замонлар, донишманддони хонадони жонсипорлар давлат //23^б хонаи олидан кўп баҳраманд бўлғон эрдилар. Афсус надоматлар қилиб, хони фирдавс маконни вафотиға кўп қасидалар ва тарихлар боғлабдурлар. **Тарих ва қасида:**

Шоҳе ки буд низоми жаҳон сарвари мулк,
Чу ў надида жаҳон, комкори кишвару мулк.
Набихисол шаҳ он Норбўтахони вали,
Маишат додраси рўзғор, довари мулк.
Ба аҳди маъдалаташ аз ривожи ҳақ талаби,
Гирифт дини наби зебу зайн, зевари мулк.
Ба пой бўси рикобаш ду аспа тохт зафар,
Ба арса тохт зи ғайрат, кашид сафдар мулк.
Чу сайди макраматаш кишвараш вужуд гирифт,

²⁸⁵⁰ Шоҳ Мурод бий – 1785-1800 йй. Бухоро амири, Дониёлбий ўғли.

²⁸⁵¹ Умархон – Амир Умархон, Амирий (1787 - Қўқон - 1822) – Қўқон хони (1810-1822), зуллисонайн шоир. Норбўтабийнинг ўғли. Ўзбекларнинг минг уруғидан. Бошланғич саводини оилада чикариб, кейин мадрасада таҳсил олган. Ёшлигидан сарой хизматиға жалб қилинган: акаси — Қўқон хони Олимхоннинг давлатни бошқариш ишларида фаол иштирок этган. Олимхон 1807-08 йилларда унга Фарғона ҳокимлиғини топширган. Шу йилларда у Андижон ҳокими Раҳмонкули бийнинг қизи Моҳларойим (Нодира)га уйланган.

Ҳоким табақалар Олимхоннинг Тошкентда кўтарилган ғалаённи бостириш учун қўшин тортганлигидан фойдаланиб, фитна уюштирадилар ва 1810 йили Умарни хон қилиб кўтардилар, Олимхон эса ўлдирилади. Умархон Қўқон хонлиги ҳудудини кенгайтириш, ҳокимиятни мустаҳкамлаш сиёсатини олиб боради. Бухоро амирига қарашли Туркистон ш. (1815), Ўратепани (1817) босиб олган. Сирдарё бўйидаги ерларда Янгикўрғон, Жулак, Қамишқўрғон, Оқмачит, Қўшқўрғон номли ҳарбий истехкомлар қурдирган. Улар Ўрта Осиёни Россия билан боғлайдиган муҳим савдо йўлида жойлашган эди. У Россия билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилган. Умархон даврида Қўқон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам, Авлиёотада масжид ва мадрасалар қурилиб, қабристонлар тартибга келтирилган. Шаҳрихон шаҳарчаси барпо этилган, янги кишлоқлар вужудга келган. Хон амалдорларининг талончилик сиёсатиға қарши Чимкент ва Сайрамда кўтарилган қўзғолон бостирилган. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқонда ўзига хос илмий-маданий муҳит вужудга келган — унинг бошида турган маърифатпарвар ҳукмдор Умархон илм, маданият, санъат, адабиёт, турли касб-ҳунарларнинг ривожига катта эътибор берган, мадрасаларда ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилаган, турли ҳунар мактаблари очилишини қўллаб-қувватлаган. Ўзи ҳам Амирий таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг атрофида 70 дан ортиқ шоир йиғилган. 1821 йилда Фазлий Намангоний Умархоннинг амриға биноан, 63 шоирнинг шеърини ўз ичига олган «Мажмуаи шоирон» тўпламини тuzган. Уни улуғлаб қасидалар ёзиш, ғазалларига татаббуълар боғлаш бу шоирлар ижодида етакчи ўрин тутган.

Умархон Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедилни ўзига устоз санаб, улардан ижод сирларини ўрганган, уларга эргашиб ижод қилган, ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Арузнинг туркий адабиётда машҳур, халқ ижодида ҳам кенг тарқалган енгил ва ўйноқи вазнларидагина ёзилган бу шеърларнинг барчаси ишқу муҳаббат мавзуида. Уларда анъанавий мавзулар ва тасаввуфий руҳ устун. Ўзбек ва форс-тожик тилидаги шеърларини тўплаб, девон тартиб берган. Девон ғазал, мухаммас, мусаддас, туюқ жанрларидаги 10 минг мисрадан ортиқ шеърни ўз ичига олган.

Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг матншунослик ва ёзма ёдгорликларни нашр этиш бўлимининг илмий ходимлари томонидан Умарнинг турли даврларда кўчирилган 26 та қўлёзма девони ҳисобга олиниб, уларнинг илмий тавсифи берилган. Бу қўлёзмалар Санкт-Петербург, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро кутубхоналарида сақланади. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Умархоннинг 17 та қўлёзма девони мавжуд. Бундан ташқари, литографик усулда чоп этилган девонлари ва шоир шеърларидан намуналар берилган баёзлар бор.

²⁸⁵² Тарих моддаси абжод ҳисобида 1202/1787-88 ни беради.

//24^a Ба зеҳ гузори адам хок шуд ситамгари мулк.

Ба ном номи ў хатм шуд накўноми,

Чунонки, хотим ирсол бар паямбари мулк.

Сутуда мадҳи камолаш суханварони жаҳон,

Ба шоҳи кишвар султони дин санжари мулк.

Назари хеш набигзошт дар даҳонки гузашт,

Қарини раҳмати ҳақ бод руҳи руҳпарвари мулк.

Падар чу рафт ба раҳмат, писар каромат ёфт,

Ки бод умр абад, хати ин диловари мулк.

Барои ин ду шаҳаншоҳи одими олам,

Савол рафт зи тарих аз суханвари мулк.

«Дарида синайи ҳасм, бурида пойи аду»,

«Писар ба жойи падар зеб дод мазҳари мулк»²⁸⁵³.

//24^b Тарихи дигарни бу тариқа топибдурлар. **Таърих:**

Тарихи султони пурсидам аз хирад, гуфт,

«Пой аз жаҳонн кашида Норбўтахони одил»²⁸⁵⁴.

Мадрасаи Мир, ки ҳоло аҳли талаба таҳсил қилмоқда, мустаҳкам хушҳаво мадрасадур, бу подшоҳдин ёдгор қолғон букъаи хайридур. Бу подшоҳи кабирдин икки ворис жойнишини падар ва соҳибливойи тахт ва афсар ва тарозандаи салтанат ва авранг боқи қолди. Аршади амири кабир саййид Муҳаммад Олимхон ва дигари абу-л-фатх ва-з-зафар амир ал-муслимийн саййид Муҳаммадумархон халадаллоҳа мулкаҳу ва султанаҳу!

Чун тахти салтанат ва вужуди оқибатмаҳмуди ҳазрати валинаъми Норбўтахондан холи //25^a бўлди, содоту уламо ва фузало, умаро ва фуқаро би-л-иттифоқи якдигар шаҳзодаи оламиён амир саййид Олимхонни маснади аморатга ўткардилар. Қачонки Олимхон хилофат тахтига ўлтурди, кавкабаи кишвар кушойи ва савдойи дағдағаи жаҳонгири бошиға тушуб, яроғ, аслаҳаи сипоҳгорликни тузатиб, марду-майдонлардин лашкар тортиб бериб низом ва қонунлари ороствалаб, шуқуҳи дабдабаға зебу-зийнат бериб, кусин садосин нили кабуддин ўткарди. Муҳораба ва муқотала кор-борлариға машғул бўлди. Тиғни муҳолифлар қони бирла лолагун этди. Қўлидин иш келадурғон сойилларни гадолик қилғали қўймай бир ишға машғул қилди. Аксари лашкарларини кўҳистоний тожик //25^b лардин мунтазам қилғон эдики, бинандалар кўргач, тафаккур бармоғини хайрат дандони бирла газида қилур эрдилар. Тарих айтурки, Бухоро хони амир Ҳайдар подшоҳ Ўратепаға қўшун тортиб келиб Фозил бек бадхоҳни даражаи шаҳодатга етқуриб, вилояти Ўратепани Эрназарбий манғитға бериб ёнди, деб масмуъ бўлғоч саййид Муҳаммад Олимхонни ғайрати домангир бўлиб, дафъатан лашкарини ораста ва фираста айлаб, жўнаб, Ўратепаға етиб келди. Келган кун ҳануз лашкар қўнуб дам осойиш олғон йўқ эди, нидогар нидо қилдики, амири кабир Олимхон сўрайдурлар қўшин бу кун Ўратепа қалъасини олиб дам осойиш қиладурларму, ё бу кеча фароғат айлаб, //26^a об-озуқаларини қилиб, эрта югуриб оладурларму, дегач, диловарлар арз қилдаларки, обу озуқа ва дам осойишимиз жанг қилмоқдур, агар амири кабирдан фармон бўлса Ўратепа қалъасини сарпўши йўқдир, бу кун қалъаға югуриб шаҳарни зеру забар айлаб, душмандан эмин бўлиб, қалъани фатх айлаб сўнгра осойиш кўргузурурмиз, - деганларида, амири кабир Олимхонға хуш келиб, писанд айлаб қўшунға фотиҳа берганда қўшун югуриб, шу кун қалъани олиб баъд аз он осойиш қилғондурлар.

Тошкандда Юнус хўжа банги ҳукмронлик қилур эрди²⁸⁵⁵, Олимхон лашкарни Тошканд юрутмоқға қасду нияти бор эрди, аммо хешовандларидин //26^b дили ҳаросида бўлуб, биродари Рустамбек бирла амаки киромийси Ҳожихон ва Довудкулибек ва Бекбўтабек бу шаҳзодаларни тутуб қатлга етқурди. Ва яна хоҳладики, нечанд балоғатга етганларни ҳам корини тамом қилиб, кўнглини тиндурса, бу жумладин Ҳожихонни икки ўғликим, каттаси Бекўғли бек ва кичиги Шерали бек дер эрдилар, ҳазимат айлаб жони ширинларини Чотғолға етқуруб Талос ном мавзеъда қарор олдилар. Ҳикояси анқариб зикр топқай, иншооллоҳ.

Ҳожихондан Хўқандда букъаи хайри бир мадраса қолди «Мадрасаи Соҳибзода» дерлар, машҳурдур. Вақтики, Олимхон ғаюр кўнглини таскин айлаб инони азиматни ба сўйи Тошканд маътуф этди, сипоҳи анбуҳ лашкари жарор бирла Юнус хўжа //27^a бангини корини саранжом этиб,

²⁸⁵³ Тарих 1212 йилни беради.

²⁸⁵⁴ Тарих моддаси 1212/1797-98 йилни беради .

²⁸⁵⁵ Юнусхон Тошкентда 1804 йилгача ҳокимлик қилган.

Тошкандни фатҳ айлади, баъд аз он Авлиё ота, Тўқмоқ, Пешпек, Олма-Ота, Ёмонқалъа, Шамоӣ, то ғазли Оқмасжид барчаси Дашти қипчоқ дасти байъат бериб, маҳкуми амири кабирга кирдалар. Чуст ва Исфара гардан тоблик қилгон эди, жазосин берди. Амир Олимхон Жиззахни бориб чопиб ёнди. Доду адлга фарзона эди, ҳамиша баҳодир парварлик қилурди. Дойим мамлакатдорлиғ айлаб, ором олмас эди, раъиятнавоз, душмангудоз хон эрди. Илми сипоҳгарликга зиёда моҳир эрди. Баъзи намак ҳароми душманлари «золим», деб хонга нисбат берур эрдилар.

Мавлоно Авазмуҳаммад²⁸⁵⁶ хангомасози Хўқандий «Тарихи жаҳоннамо»сида //27^б зикр қиладурки, Олимхонни умаролари туғён этуб Тошканд устида бир неча амирни танҳо ташлаб, ўзларини дору-с-салтанат Хўқандга еткуруиб, шаҳзода саййид Муҳаммадумархонни тахти салтанатга ўтқуздилар. Бу хабари муваҳҳашдин амир Олимхон воқиф бўлуб, бе муҳобо андак одам ила орқаларидин босиб Хўқандга келур эрди, ул туз ҳаромилар камингоҳда мерган биқтурма кўйган эрдилар, амири равшан замирни хабари йўқ эди, ул ноинсофлар ва жафокашлар ўқ бирла отиб амирни шаҳид қилдилар.

Расми Муваруннаҳр шулки, ҳар жойда дарахти азим кўрсалар латталар бойлаб, кўчқор шохларини ўтқариб, нодон одамлар, авому-н-нослар дарахт //28^а дан мадад талаб қиладурлар, Олимхон манъ қилгон эрди. Кўпроқ ўзларини шайх тарошлаб юрган ёлгончи мудаббирларни жозосин канорида кўйгон эди. **Маснави:**

Чу аз лавҳи дил шуст нақши вафо,
Ба сад меҳнату дард шуд мубтало.
Вафо кун ба ҳар кас валинеъмат аст,
Ки дар бевафойи бaсе захмат аст.
[Дил лавҳидан вафо нақшини ювгач,
Юз меҳнату дардга бўлди мубтало.
Вафо қил ким бўлса валинеъматинг,
Вафосизликдан кўп эрур сенга захмат]

Байт:

Замона ба неку-бад обистан аст,
Ситора гаҳе дўст-у гаҳе душман аст.
[Замона яхши-ёмонга ҳомиладир,
Юлдуз гаҳ дўст, гаҳ душмандир].

Назм:

Жаҳон эй бародар намонад ба кас,
Дил андар жаҳони офарин бибанд-бас.
//28^б Макун така бар мулку дунёи зишт,
Ки бисёр касе чун ту парвард-у кишт.
[Эй биродар, жаҳон кишига вафо қилмас,
Сен фақат яхшиларга кўнгил бер, бас.
Бу ёмон мулку дунёга таянма,
Сенга ўхшаган кўп киши унга ишонган эди].

Амири кабирни қатлини Мавлоно маҳзуми «Махмур» фи-л-воқеъ топибдур. **Таърих:**

Шоҳеки, хислати ў маъруф буд маълум,
Аз савлат сандон гудохт чун мум.
Аз ғояти тухур дар ҳоли жоншикори,
Анқойи давлати ў гардид оқибат бум.
Бигузашта бисту шаш рўз аз даври моҳи ашур,
Аз даҳр чашм пўшид он шаҳриёри мархум
Таворихи мақтали ў пурсидам аз хирад, гуфт,
«Дар роҳи мулки Хўқанд сар дод мири мазлум»²⁸⁵⁷.

Муддати салтанати ўн икки йилу уч ой эди, ўтгуз //29^а олти ёшида шаҳодатга етди. Уч ўғул ёдгор қолди: Шоҳруҳхон, Иброҳимхон, Оталиқхон. Вақтики Умархонга салтанат қарор топди, Шоҳруҳбек ибн Олимхон Тошкенда эрди. Умархон Баҳодирхўжаи Сақов ила Назарбек Ташкандийни Шоҳруҳхон қатлига номзод қилди.

²⁸⁵⁶ Авазмуҳаммад Аттор “Тарихи жаҳоннамой” асарининг муаллфидир. Қаранг: Ваҳидов Ш. Аваз Муҳаммад Аттар Хуканди и его произведение “Тарихи джахоманойи” (исследование, перевод, примечания). Дисс. канд.ист. наук. – Ташкент: ИВ АН РУз., 1990.

²⁸⁵⁷ Амир Олимхон 1810 йили, февраль ойида ўлирилди.

Амир Умархон тахтга жулус этди, зиёда уламо ва фузало ва шуародўст бўлди, китоби «Амирий», ғазалиёти ани зоди табъидур. Пойтахт Фарғонага улуғ мадрасаи Жоме ул бунёд этди, хайру саховатда бе бадал эди, шундай адолат шиор эдики, ҳамма фуқаро ва масокин дуойи жони дарозиға машғул. Саййид содотларни ба ҳадди ғоят ҳурмат айлаб сарафроз қилур эди. Шуаройи //29^a Фарғона ани шаънига кўб абёт шеърлар дедилар. Фарғона зулм ситамдин озод эди. Фазлу балоғатга мумтоз эрди. Амири Ҳайдарки, Бухоро подшоҳидур амир Умархон ила оралари носоз эди, бир неча вуқуъат мухорибалар ҳам масоф ўтур эди. Тентак тўрайи қозоқ²⁸⁵⁸ бирла бўлуб мусаххар қилди. Акмал Хўқандий²⁸⁵⁹ амир Умархонни валодатиға бу тарихни товибдур. **Таърих:**

Сад шукр бо шаҳаншоҳи доройи ҳақ сулук,
Додаш худо ягона валиаҳд ҳам сукук.
Султони ақл аз пайи валодаташ,
Гуфто-ки «шаҳзода Умар зубдаи мулук».

Яна Акмал Хўқандий бу тариқа милодиға тарих бойлабдур. //30^a **Таърих:**

Бихамдиллоҳ ки аз шоҳи гети паноҳ,
Яке қиррату-л-айн омад чу моҳ.
Ба боло чу Туби бурж чун биҳишт,
Худо хилқаташ аз каромат сиришт.
Ба мавлуди ин зилли парвардигор,
Хирад жуст тарих аз ҳар диёр.
Бигуфтам бад ў эй Фалотун хаёл,
Чаро жўйи аз дигарон ин савол.
Агар хоҳи тарих ба ҳужжат қарин,
Ба мавлуди, «султон Умархон» бубин²⁸⁶⁰.

Таворихлар нақл қилурларки, амир Умархон сурайёсарир, маъдалат тахмир амира-л-муслимин Умархони жаннат макон //30^b тахтгоҳида қарор товиб оройиши маснад бўлди. Шуаройи Хўқанд(дан) Дабири мушкин қалам Умархонни жулусиға тарих бойлади. **Таърих:**

Рақам намуда Дабири хирад ба тарихаш,
«Ки бар сарири адолат, Умар ба адл нишаст»²⁸⁶¹.

Низ Дабири мушкфом тарихе иншо айлабдур. **Таърих:**

Расид мужда соли жулус аз ғайбам,
Зи рўйи шаръ бигу: «хон нишаст дар авранг»²⁸⁶².

Мавлоно Фазли низ таърихи зебо рақам этибдур. **Таърих:**

Аз сари ҳиммат пайи тарихи хеш,
Гуфт «Амирий ба Умархон накўст»²⁸⁶³.

//31^a Неча бор амир Ҳайдар подшоҳи Бухоро ила ҳаммасоф бўлуб зафар топди. Шуаройи Хўқанд дебдурдар. **Байт:**

Сазад ки амири Бухоро шавад туро чокар,
Ки дар хилофат Умар афзаласт аз Ҳайдар.

Вилояти Хоразмда Элтузархон ўрниға Муҳаммадраҳимхон аморат тахтиғи ўлтурди, аз рўйи ғурури бу байтни ўз зоди табъидин иншо қилди. **Байт:**

Муҳаммадраҳим олдиға тобса жой,
Умар тобеъ ўлмасму Ҳайдар мутеъ.

²⁸⁵⁸ Қозоқ (лар) – Қозокнинг этногенези турли кўчманчи қабилаларнинг узоқ муддат давомида аралашуви шароитида кечган. Уларнинг қадимий аجدодларига саклар, усунлар ва б. кирган. Милоднинг бошларида Орол денгизидан ғарбда қозоқлар этногенезига таъсир кўрсатган аланлар яшаган. VI-VII асрларда Қозоғистоннинг жанубий-шарқида яшаган қабилалар Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида бўлган. Бу даврда шарқдан туркашлар, телелар, қарлуқлар ва б. келиб жойлашган. XII-асрнинг бошида Қозоғистон худудига қорахитойлар (киданлар) бостириб кирган, улар маҳаллий туркий аҳоли билан аралашиб кетган. XIII аср бошида мўғуллар истилоси даврида Мўғулистон ва Олтойдан найманлар, кераитлар ва б. қабилалар кириб келган. Олтин Ўрда парчаланиши билан XV асрлар ўртасида, Ўзбек хонлигидаги ўзаро низолар натижасида бу қабилаларнинг катга қисми Жануб-Шарққа, Мўғулистон давлати таркибига кўчган. XVI асрнинг бошида ғарбга қайтиб келган қозоқ қабилалари Қозоқ хонлигига бирлашган (ўзбек қабилалари Шайбонийхон бошчилигида Ўрта Осиёга кетган). Шу билан қозоқ элатининг шаклланиш жараёни тугалланган. Қозоқларнинг қабилла-уруғлари тарихан учта гуруҳга бўлиниб, алоҳида худудларда яшаганлар. Улар жузлар деб аталган. Асосий машғулоти кўчманчи чорвачилик, фақат жанубидаги (Сирдарё бўйидаги) баъзи воҳаларда суғорма деҳқончилик бўлган.

²⁸⁵⁹ Акмал Шермухаммад Хўқандий. Шоир ва тарихчи. 1820 йилдан кейин вафот этган.

²⁸⁶⁰ Умархон милодий 1786 йили таваллуд топган.

²⁸⁶¹ Тарих моддаси 1225/1810 йилни беради.

²⁸⁶² Тарих моддаси 1225 сонни беради.

²⁸⁶³ Тарих моддаси 1225 сонни беради.

//31^б Ўн икки йил бо амри малики мутаол ба тариқи истиқлол забари тахти салтанатда ижлол кўрсатиб, адлу саховат, жуду атони шева этуб подшоҳлик қилди, ўттиз олти ёшида жувори раҳмати илоҳийга уланди. **Назм:**

Баланд рутба киро кард чархи чун хуршед,
Ки рафта, рафта бигардид пойаш кўтоҳ.
[Бу баланд мартабали чарх кимни бошини кўтарган бўлса,
Охир оқибат бориб уни оёғин кесди].

Амири фирдавс маконни мотамаи сўғиға ҳамма халқуллоҳ таъзия тутдилар, гўё-ки қиёмати сағир ошкор бўлди. Макнуни жавоҳир гуфтор амири кабирни дуоғўйи дерини эрди фавти амирни шул тариқа таҳрир этибдур. **Таърих:**

Султон Умар, ки шухрати жуда ш жаҳон гирифт,
//32^а Шуд номи Ҳотам аз карами оми ў хасис,
Фазлаш бағояте, ки ба жуз ажзи мидҳаташ,
Ку ҳад ки дам зананд ақози ё раис.
То баҳровар зи фазлу камолоти ў шаванд.
Ҳамвора сохт фазойил ба худ жалис.
Кард ин нидо Суруш ба тарихи фавти ў.
Машмули «раҳмати ҳайи қайюм» менавис²⁸⁶⁴.

Амир Умархон Шоҳруҳхон шаҳрини бино қилиб чиқарғон шаҳрини «Дабир» ном шуаро тарих бойлабдур. **Таърих:**

Дар бинойи наҳри Сайхун сурати жайхун шиор,
Соли тарихаш хирад «Умар хони» навишт.

Шоҳруҳхон шаҳрини бино қилғониға Дабири мушкин қалам низ //32^б тарих этибдур. **Тарихи шаҳри Шоҳруҳхон:**

Хост зи меъмори даҳр, комил устои шаҳр,
Гуфт, Дабири хирад «шаҳри бинойи хон».

Амири доноазир мундин бўлак яна нечанд қасабалар бунёд этуб, наҳр чиқарғон эди, ўзига дору-л-аморада ясоғон қасри олийсини Ҳозиқи Ҳиротий тарихи муносиб топибдур. **Таърих:**

Қасри амири аср, султони мамолик,
Ки дорад ифтихор аз маснадаш жоҳ.
Бино фармуд қасре к-зи баланди,
Ба тавсифаш бувад андеша кўтоҳ.
Баробар то шавад бар пушти бомаш,
Шаби, шабгир мебояд бар ў моҳ.
//33^а Чу чашми дилбаронаш халқайи дурр
Чу абрўйи бинояш тоқи дамхоҳ.
Магар меъморашианду паст бар бом,
Абиру заъфарон жойи гилу коҳ.
Ки таъби онки бикшояд ҳавояш,
Зи дуди уд анбар дорад агар оҳ,
Ба меъмори хирад гуфтам маро худ,
Зи таъмири бинояш соз огоҳ.
Пайи тарих бо авжи фалак гуфт,
Бубин қасри муъаллоийи Умар шоҳ.
Рақам зад хомаи андешаам дўш,
Ба тарихаш «зиҳи манзар, зиҳи жоҳ»²⁸⁶⁵.

Гуфтори баёни жулуси хулосаи хонадони Бобурий ва зубдаи //33^б дудмони Темурий навбоди бўстони шаҳриёри, сарви озоди жўйбори бахтиёри, куррат ул-айни амири жаннатмакон Муҳамадалихон ғозий халадаллоҳа мулкаҳу ва султонаҳуни воқеотларидур.

Вақтеки амири жаннатмаконни жойи аслилариға дафн қилиб, таъзият ва маросими ҳумуми баллиятини тақдимга еткургонлари сўнгида аркони давлат ва аёни салтанат руасои ҳар фарик ва саромати ҳар тариқ боргоҳи гетипаноҳға мужтамаъ бўлуб, уламоийи диндор, машойихи куббор,

²⁸⁶⁴ Мушрифнинг «Шоҳномаи нусратпаём» асарида келтирилган маълумотга биноан Умархон 30 декабрь 1822 йили/13 раби II 1238 йили вафот этган.

²⁸⁶⁵ Тарих моддаси 1234/1818 йилни беради.

машварат айлаб, дедиларки, Сикандар нишон дома-давлатаху Муҳаммадалихонки, амири марҳум мағфурни фарзанди қиррат ул-айнидур сазовори тожу-тахт ва нигиндур, деб ҳамма би-л-иттифок дасти байъат беруб, оқ палосға солиб, тўрт тарафдин кўтариб тахтга чиқаруб, //34^a ўткузуб муборакбод айлаб бу маснавийни ўқидилар. **Маснави:**

Ки эй шахриёри фалак жойгоҳ,
Туро зебад ойини тахту кулоҳ.
Дилу жони моён фармони туст,
Сари мо фидойи сару жони туст,
Тарозандаи тожи шоҳон туйи,
Сазовори иқлими Турон туйи.
Ба авранги фармонравойи нишин,
Адолат бифармову, ишрат гузин.

Ва яна кўча ва бозор, уйларида ҳамма фуқаро ва масокин ва сипоҳ бу маснавийни тиллариға жори қилур эрдилар. **Маснави:**

Сари мо ҳамма гўйи чавгони ўст,
Дилу жони мо вақфи фармони ўст.
Сазовори тахт асту тожу нигин,
Худованди жуд асту адл офарин.

Маснави:

Пас онгоҳ хони саодат қарин,
Бо аҳли замон гашт адл офарин.
//34^b Нишаста ба авранги шоҳи ба фар,
Чу хоқон ниҳоди ба сар тожи зар.
Ба бар баста маҳкам камар бар миён,
Ки маъмур гардад ба давраш жаҳон.
Бадонро ҳамма даст кўтоҳ кард,
Карам бар некў фавқи дилхоҳ кард.

Ўшал вақт фархунда соотда синни мубораки хони даронишон 17 ёшда эрди. Ҳеч тараф аймоқиядан боди муҳолифат турмади. Туркистон, Дашти қипчоқ ила то маҳкуми Қошғар зери нигинида эрди. Зиёда пур салобатқад, бокамоли зебо, хуш-хулқ хон эди. Бар манзар қасри кошинкори зарнигор бунёд айлаб, номини «Қирққиз» қўйди. Баҳром гўрни ҳафт манзари кўрса ўз-ўзидин хижолатманд бўлур эди. Чун сайти овозаи шужоати диловари Саййид Муҳаммадалихон атрофи акноф оламға ломеъ ва равшан бўлди, амир Ҳайдар²⁸⁶⁶ подшоҳи Бухородин Исматиллоҳбийни ҳадяхойи //35^a фаровон аз баройи муборакбоди рисолат учун юборди. Бу хони воло гуҳарни вазирлари Шоҳи қўшбеги²⁸⁶⁷, Ҳаққули мингбоши²⁸⁶⁸, Муҳаммадшариф оталиқ²⁸⁶⁹, Лашкар қўшбеги беклар беги²⁸⁷⁰ эдилар. Бу хони пур ҳашаматни замонида Русия қўшуни Туркистон ҳудудиға қадам босғон эмас эди. Муборизони Фарғона жавоби босавоб бериб турур эдилар. Базмий ва шикордўст бўлса ҳам арзу-дод, базлу-эҳсонда ҳаммани асир қилғон эди.

Бародари султон Маҳмудхондан андак бадгумон бўлуб Шаҳрисабзга бадарға айлаб юборди, боз бир неча замонлар ўтуб, оға-ини оралари сулҳға анжом товишдилар.

Муҳаммадшариф оталиқни сардори лашкар этиб юборуб, Қоратегин вилоятини //35^b мусаххар айлаб, хутбани ўз номиға ўқутди. Ўзи Қошғар бориб, хитойлар билан ғазот айлаб, Гулбоғни муҳосарасиға иқдом кўрсатуб ёнди. Бу замонда Абдуқаҳҳор шайх ила Ҳожи Қаландар ном мудаббирлар Бухородин мўйи муборак келтуриб, мардуми Фарғона туғ байроқлар кўтариб, Қоратефаки, илгари ўтган хонлардан қолғон баландлик, хуш-ҳаво мавсуфа жой эди, анда элтиб, кўб шўришлар бирла барқарор этиб, заёратгоҳ этдилар.

Мундин сўнг бидъатлар кўзғолиб, баъзи мунофиқларни иғвоси ила Фарғонада шўришлар пайдо бўлиб, балвойи ома бўлиб кетди. Сабаби булки, Абдулқаҳҳор ила Ҳожи Қаландар Бухорилар

²⁸⁶⁶ Амир Ҳайдар 1800-1826 йй. Бухорода ҳукмрон қилди.

²⁸⁶⁷ Қўшбеги – қўш, ҳарбий лагерьнинг бошлиғи.

²⁸⁶⁸ Мингбоши – Қўқон хонлигида олий ҳарбий унвон, ҳарбий вазир. Минг нафар сарбознинг бошлиғи.

²⁸⁶⁹ Отолик/атолик/оталиқ – тахт эгаси ёки ворисининг ота ўрнидаги маслаҳатчиси, мураббийси (регент). У(лар) давлатда энг кучли бўлган қабила бошлиқлари ёки ижтимоий табақа вакилларидан тайинланган.

²⁸⁷⁰ Лашкар – бекларбеги. Асли номи Гуломшоҳ Чатрорий. Умархон хос маҳрамларидан бўлган. Иноқи калон (1814-1815), Тошкент ва Дашти Қипчоқ ҳокими (баъзи танаффуслар билан 1816-1841). Кўлб ва Давроз (1830) ва Жанубий Қозоқистон (1834)га қилган юришларни бошқарган. Эшонқули додхоҳ деган ўғли бўлган ва унинг Тошкентда бино этилган иккита мадрасаси (Кўшмадраса) маълум. Шўролар даврида бузиб ташланган. Беклар беги – ҳарбий унвон, беклар беги.

амир Насруллоҳ²⁸⁷¹ ки, Бухоро подшоҳидур ани таълими бирла бу тадбири //36^a билан Бухородин муйи муборакни келтириб халқни кўнглини ўзларига жалб айлаб мардуми авбош, муридони бебошлар бирла иғво ва фитна турғуздилар. Таскин берсоқ асло муяссар бўлмади. Ушбу бесаранжом корда амир Насруллоҳ мулаққаби «Баҳодирхон» икки уч бор Фарғонага кўшун тортиб келди, охируламр орзусига етиб Муҳаммадалихонга шикаст воқеъ бўлуб Андижон тарафига ҳазимат этди (қочди). Амир Насруллоҳхон мутасаррифи аморати Фарғона бўлуб, ўзига осойиш берди. Шул замонда бир неча кўрнамаклар Муҳаммадалихонни дилбанди Муҳаммадамин бек ила бо ҳамроҳии бародари Султон Маҳмуд бек, дастгир этиб, олиб келиб, кўруниш бердилар. Амир Насруллоҳ хурсанд ва шодмон бўлиб, //36^b бир неча маъсум бегуноҳлар ила кўшуб Муҳаммадалихонни шаҳид айлаб, хотирини жамъ этиб, Фарғонани шундай талон ва тарож этди-ки, не сипоҳ анжомидан ва на бева бечора, фуқароларни мол-амлоки, амтиъа ва ақмашаларидан бирор арзийдурғон нимарса қўймадилар. Манғитлар ҳар қаю маконда фусулға амрад жавонларни ва зеборўй қизу саййиба мастураларни кўрсалар зино ила олуда этиб, ифбатларини барҳам бердилар. Фарғонани акобир ашрофи умаро ва фузало, уламоларини Бухорога бадарға айлаб, «оқ уйлук»²⁸⁷² этиб юборди. Баъд аз он кўнгли Фарғонадан осуда бўлиб, Иброҳим²⁸⁷³ фармончи²⁸⁷⁴ манғитни ўз жонибидан Фарғонага хукмрон айлаб, гўё олам муяссар бўлғондек муродига етиб озими Бухоро бўлди. Баъд аз он амири Бухоро, Иброҳим хаёл манғит, чандоне зулм Фарғона аҳлига кўргуздиким, ҳамма бандаи худони оху нолишларига, мурғони ҳаво ва моҳиёни дарёни сўзишга кирур эрди. Кеча ва кундуз нажотни парвардигори олами бечун ва ҳечгунани даргоҳи азаматидан хоҳон ва жўён қилур эдилар. Фарғона шуаролари бу ҳодисаи айёмни тарих силкига рақам чекибдурлар. **Таърих:**

Дар жаҳони бебақо на суст, на чолок монд,
 На шаҳаншоҳи замон, на соҳиби амлок монд.
 Аз каманди марг на Ковус²⁸⁷⁵ раст, на Кайкубод²⁸⁷⁶
 Зинда на Баҳром²⁸⁷⁷, на Жамшеду²⁸⁷⁸, на Заҳҳок²⁸⁷⁹ монд.
 Бо ҳамма ҳикмат Фалотун²⁸⁸⁰ ро бақо ҳосил нашуд,
 Кай ба он донише Арасту²⁸⁸¹ соҳиби идрок монд.
 //37^a Бузуржмехру Жолинусу Букрот ҳаким,
 Жовидон на Бў Али Сино²⁸⁸² ву на Саккок²⁸⁸³ монд.
 Маргро Лукмон²⁸⁸⁴ иложу чора натвонист кард,
 Аз камоли нотавоний паҳлу андар хок монд.
 Журъа нўши марг шуд шоҳу гадову неку бад,
 На тани олудаҳо монду, на жисми пок монд.
 Корвоносо ҳамма 3-ин хокдон бастанд рахт,
 Баҳри ҳирси жифа зоғони даҳанбўнок монд.
 Марғзори даҳр холи гашт аз шерафканон,

²⁸⁷¹ Амир Насруллоҳ 1827-60 йиллари Бухорода амир бўлган.

²⁸⁷² Оқ уйлик – гаровга олиниб, бошқа жойга олиб кетилгандан сўнг уларга ҳурмат кўрсатиларди. Улар кўпинча оқ ўтовларда яшаганлари боис шундай дейилган. Қора уйликлар эса асирга олинган, ҳақ-ҳуқуқсиз душман томони.

²⁸⁷³ Иброҳим хаёл, парвоначи – уч ойга яқин Қўқонда амир ноиби бўлган.

²⁸⁷⁴ Фармончи/парвоначи – парвона, яъни капалакдек хон (амир) хузурига кириб, ариза ва сўровларни олиб кириб, жавобини олиб чиқадиган амалдор.

²⁸⁷⁵ Ковус – қадимий Эрон шоҳи номи.

²⁸⁷⁶ Кайкубод – кайёнийлар шоҳи номи.

²⁸⁷⁷ Баҳром – Баҳром юнонлардаги шон-шавкат ва жанг худоси Миррихнинг шарқдаги номи. Бу ерда шу юлдузнинг жойлашишига ишора қилинмоқда. Бироқ бу ерда сосонийлар подшоси Варахран IV назарда тутлган. Эрон шоҳларидан Баҳром (Варахран IV) гур (ёввойи эшак – гурхар) овлашга ишқибоз бўлгани учун бадий адабиётда “Баҳроми гур” лақаби билан тилга олинади. У зўр ўқ-ёй отувчи ҳам бўлган ва шунинг учун овчилик, мерганлик рамзи ҳам саналади. Шунингдек, қўлида ўқ-ёй, қилич ушлаган ҳолда тасвирланган жанг худоси Миррих (Марс) сайёраси шарқ адабиётида Баҳром номи билан ҳам аталиб, бу ерда ана шу икки ҳолатга ишора орқали сўз ўйини қилинмоқда.

²⁸⁷⁸ Жамшед – Эрон давлатига асос солган афсонавий шоҳ Жамшид бошқа шоҳлар ичида баланд мартабали шон-шавкат эгаси, базму-ишрат, Наврўз каби байрами ижодкори ва унинг май жоме оламини кўрсатувчи кўзгу сифатида талқин этилади. Бу ерда куёшнинг баланд мартабасига ишора қилинмоқда.

²⁸⁷⁹ Заҳҳок – “Шаҳнома” асаридаги золим ҳукмдор номи. Аслида, пешдодийлар сулоласининг тўртинчи вакили Шаддод наслидан бўлмиш Заҳҳок ибн Мурдас.

²⁸⁸⁰ Фалотун – Платон(ваф.э.о.347), юнон файласуфи кўзда тутилмоқда.

²⁸⁸¹ Арасту – Аристотель, юнон олими (э.о.384-322).

²⁸⁸² Бў Али Сино – 980-1037 йилларда яшаган бухоролик машҳур энциклопедист олим ва табиб Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ.

²⁸⁸³ Саккок/Саккокий – XV аср туркийзабон шоирларидан бўлган. Саккок – пичоқчи дегани.

²⁸⁸⁴ Лукмон – ривоятлар бўйича юноннинг жуда оқил ва доно шоҳ Лукамоон.

Андар ин байғула на нахчиру на фитрок монд.
 Ёфт истило Баходирхон манғит аз қазо,
 Аз кудумаш мулки моро на дарахти ток монд.
 Лашкари Ёъжуж²⁸⁸⁵ монандаш малахосо расид,
 //38^a На ба боғ олуча, на гелосу себу нок монд.
 Даст бар моли халойиқ аз паййи ғорат ниҳод,
 Бурёйи хонаҳо, на кўрпаву на пўшок монд.
 На мусалло дар масжид, на алам андар мазор,
 Юнги ҳаммомий, на халтаи даллок монд.
 На дирафши кўхнадўзону на качкули гадо,
 На асои зоҳидин, на шайхро мисвок монд.
 На қанора монд дар қассоб, на чархи кулол,
 Сўзани дўзандаҳо, на мисқабии ҳаққок монд.
 Покуи ҳаммом чукбуру мокуи бофандаҳо,
 На занонро чарху тифлонро камону ғиллок монд.
 Танг чашмҳои манғит гашт аз турк²⁸⁸⁶ он фузун,
 На зи торожаш ба саҳро ҳезуму хошок монд.
 //38^b Раҳм бар мазлум Муҳаммадали²⁸⁸⁷ султон накард,
 Доғи бадномий аз он бар манғити саффоқ монд.
 Шонаваш аз мотами он шаҳриёрони жаҳон,
 Доғҳо пасмондагонро бар дили сад чок монд.
 //163^b Чарх дар бар карда 3-ин мотам либоси нилгун,
 Нест анжум, доғҳо бар синаи афлок монд,
 Шоми ғам бошад нишон аз мотами он гулрухон,
 Субҳ низ аз сўг чун шахс гиребон чок монд.
 Гулуъзорон 3-ин чаман рафтанд дар оғўши хок,
 Синаҳои булбулон бо оҳи оташнок монд.
 Сад ҳазор афсус аз бемехрии ин даҳри дун.
 //39^a Чехраи он нозанинон зери сад ман хок монд.
 Бода нўшон жумлаги рафтанд 3-ин дайри фано,
 Ашки хеш ёдгор дидаи намнок монд.
 Жустам ин мансубаро таърих аз пири хирад,
 Гуфт: «бар гўшаи дилам жамъи дили ғамнок монд»²⁸⁸⁸.
 /Бақоси йўқ жаҳонда на суёт, на чаққон қолди,
 На замон шаҳаншоҳи, на мулк соҳиби қолди.
 Ўлим арқонидан на Ковус қутулди, на Кайқубод,
 На Баҳрому, на Жамшиду, на Заҳҳок тирик қолди.
 Шунча ҳикмат билан Афлотун топмади умри бақо,
 Шунча илми билан на соҳиби идрок Арасту қолди.
 Бузургмехр, Жолинус, ҳаким Бўқрот қолмади мангуга,
 Бу дунёда на Бу Али Сино, на Саккокий абад қолди.
 Ўлимга Лукмон иложу чора қила олмади ҳеч,
 Нотавонлик билан у тупроққа ёнбошлаб қолди.
 Ўлим шарбатини ичди шоҳу гадо, яхши-ю ёмон,

²⁸⁸⁵ Ёъжуж ва Маъжуж – афсонавий махлуқлар. Қиёмат кунда пайдо бўлар экан.

²⁸⁸⁶ Турк – ўзбеклар таркибидаги этник гуруҳлардан бири. Турклар тўртта йирик қабила (турк, мусобозори, калтатой ва барлос)дан иборат бўлган. VI– XVI асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига келиб жойлашган. Қадим ва ўрта асрлардаги туркий қабилаларнинг қолдиқларидан таркиб топган. Турклар таркибига турклардан мўғул қабилаларнинг айрим гуруҳлари ҳам кирган. Улар, баъзан, чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланган. Бугун туркийлар моддий ва маънавий жиҳатдан бошқа ўзбек гуруҳларидан фарқ қилмасда, айрим урф-одатлари ва хўжалик фаолияти билан ажралиб турган. XX асрнинг бошларида туркларнинг кўпчилиги тоғлардан воҳаларга кўчиб тушганлар. Улар Бухоро хонлиги ҳудудида, Самарқанд вилояти, Фарғона водийсида жойлашган, айрим гуруҳлари эса Ўратефа, Жиззах яқинида ва Тошкент воҳасида яшаганлар. Турк қабилалари Яхсув, Қизилсув дарёлари водийларида, Хонақодарё, Кофирнихон дарёларининг юқори қисмида, Зарафшон тоғининг ғарбий ён бағриларида, айрим гуруҳлари эса Бухоро воҳасида Шохруд дарёси бўйлаб жойлашган. Барлослар Қашқадарё, Сурхондарё ва қисман Зарафшон водийсига ўрнашган. Мусобозорилар Хонақодарё, Қарши воҳаси ва Қашқадарёнинг юқори қисмида, калтатойлар эса, асосан, Сурхондарёда яшаган.

²⁸⁸⁷ Муҳаммадали – амир Умархоннинг ўғли. Қўқон хони (1822-1842).

²⁸⁸⁸ Таърих моддаси “жамъи дили ғамнок” 1258/1242 йилни беради.

На тани булғанган қолди, на жисми поклар қолди.
 Корвондек барча бу хокдондан юкин йиғиштирди,
 Мурда ҳирсида оғзи ҳидли қарғаларгина қолди.
 Дунё ўтлоқзори холи қолди шерафкан мардлардан,
 Бу бурчакда на овлашга қуш, на қуш илгич қолди.
 Қазодан бўлиб Баҳодирхон манғит истило қилди,
 Шум қадамидан юртимизда на ток дарахти қолди.
 Яжужга ўхшаш кўшини чигирткадек ёпирилиб,
 На боғда олча, на гилос, на олма-ю нок қолди.
 Ғорат қилмоқ пайида кўлини халқ молига чўзди,
 Уйларда на буйра, на кўрпаву на тўшак қолди.
 На масжидда жойнамоз, на мозорларда туғ,
 Ҳаммом лўнгиси, на ғассолнинг халтаси қолди.
 На ямоқчиларнинг бигизи, на гадонинг качкули,
 На зоҳид ҳассаси, на шайхнинг тиш тозалагичи қолди.
 На қассобда қанора, на кулолда чарх,
 На тикувчида игна, на ўймакорнинг қочови қолди.
 Сартарошнинг чук кесар устараси, тўқувчининг моқиси,
 На хотинлар чархи, на болалар камони-ю, ўйинчоғи қолди.
 Кўзи қийиқ манғитлар турк яғмоларидан ҳам ўтиб тушишди,
 Талон-торожидан саҳрода на ўтин, на хас-хашак қолди.
 Мазлум Муҳаммадали Султонга раҳм қилмади,
 Бадномлик доғи шу сабаб қонхўр манғит манглайида қолди.
 Ул жаҳон шаҳриёрлари мотамидан тароқдек йўл-йўл,
 Кетида қолганлари кўксида доғдан юз минг чок қолди.
 Осмон бу мотамдан мовий ранг либос кийди,
 Юлдузлар эмас, фалак кўксида доғлар қолди.
 Ғам шони ул юзлар мотамидан бўлса бир нишон,
 Тонг ҳам мотамдан одамдек ёқаси йиртиқ қолди.
 Гул юзлар кетишди бу чамандан тупроқ оғуши сари,
 Булбуллар синалари ўтли оҳлар билан қолди.
 Юз минг афсус бу дунё меҳрсизлигидан,
 Ул нозанинлар чехраси минг ман тупроқ остида қолди.
 Бода ичувчилар бари кетишди бу фано дайридан,
 Ўз кўз ёшларин қолдириб, шу улардан ёдгор қолди.
 Бу воқеанинг санасини ақл пиридан сўрадим,
 Деди: «дилим бурчагида бир ўрам дил ғами қолди»].

Эшон қори Қундузий²⁸⁸⁹ бу тариқа тарих ёзиб, торожи Хўқандни рақамга оллубдур: **Таърих:**

Зи инқилоби чарх чун бар дасти султони Бухор,
 Шуд масаххар хиттаи Фарғона торож ончунон.
 Кард к-зи вай не махозин не саро не хонақо,
 Не модарис не масожид не макотиб дар амон.
 Монд не шайху муаллим не муаззин не имом,
 //39^a Не саййид не шақи, не ғани не нотапон.
 Гуфт устои хирад, Комий пайи тарихи ў,
 Гў, «ҳама дарёфт торожи амири кофирон».
 Боз ў гуфто ажабтар инки, тарихи дигар,
 Ҳар ки аз «**ғорат**» бипўшад «**чашм**», мегардад аён²⁸⁹⁰.
 [Чарх айланиши ва Бухоро султони кўли билан,
 Фарғона ери босиб олиниб, шундай торож бўлдики,
 На хазина қолди, на сарой ва на хонақоҳ,
 На мадраса, на масжид ва на мактаблар амон қолди.

²⁸⁸⁹ Эшон қори Қундузий, яъни Имом Али қори Қундузий. Афғонистоннинг Қундуз шаҳридан бўлган. Комий тахаллусли бўлган Қўқон хонлари ва Бухоро амирлари саройида хизмат қилган шоир ва тарихчи. Ўрта Осиёда кенг тарқалган “Таворихи манзума” асарининг муаллифи.

²⁸⁹⁰ Милодий 1842 йил.

На шайх қолди, на муаллим, на муаззин на имом,
На саййид қолди, на оммий, на ғаний ва на камбағал.
Хирад устои Комий буни тарихи учун деди:
Айт: «кофирлар амири томонидан барча толон-торож бўлди».
Яна у деди, бундан ҳам бир ажоиб тарих,
«Ким ғорат» дан кўз юмса тарих бўлади ҳамон].

Сана 1258/1842да бу коруборлар рўй берди. Амири шахиддан дору-с-салтанатда бир мадрасаи аъло букъаи хайри ёдгор қолди, «Мадрасаи Муҳаммадалихон» номи била машхурдур. Кўргон одамлар таҳсин ва офарин қилурлар, мундан бошқа неча шахру-деҳа, обшори наҳрлар ул хони мағфур ва марҳумдан ёдгор қолди. Раваҳаллоҳа марқадаху!

Ажаб ҳолати таажжуб, шўриши маҳшар санъат Фарғони мардумига тушуб, ашки ҳайратни надомат кўзларидан тўкуб, айтур эдилар-ки, //40^a [амирнинг] онаси Шуғноний, отаси манғити бе наслу бе аслу насаб бўлмаса эди, мундоқ феъли бадни ўзига шиор этмас эди.

Силсилаи ҳукумати манғит будур: Раҳим бий ибн Ҳақим бий ибн Худоёр *оталиқ* ибн Худойқули бий ибн Човушбой манғитдур.

Хусусан мазлуми бечораки Моҳларойим²⁸⁹¹ хонни волидаи шарифаси, хижлои исматида ва саховатда уламо, фузало, ғурабо ва фуқароға дастини кушода этган эди, букъаи хайри, икки мадрасаи пурфутух бунёд айлаган, асру-рўзгорни ноёби, афифа-и даврони эди, ноҳақ фарзандларига қўшуб шахид қилди. Мурдаларини саййид Муҳаммад Шералихон Баҳодир топиб иззати тамом бирла, Дахмаи шоҳон²⁸⁹² га дафн қилди. Муҳаммадалихонни кичик ўғли Қаландарбек //40^b қочиб Хоразм кетди.

Алқисса, мардуми шахр ва қария ҳамма Иброҳим Хаёл манғит зулмидин ба танг келиб, дер эдиларки, булбулни ўрнида зоғи бадсиёқ ҳамдостонлик қилса, вой бар холи Фарғонағаким, кошки кўзларимиз кўриб, қулоқларимиз эшитмагай эди, – деб, Халлоқи жаҳондан мухлисларига умиди истидьо айлар эдилар. Бу бечораларни дуоларини ўқи ижобат ҳадафига мақрун бўлуб, Хўқандни шимоли, Чотғол тарафи Талосдан шуъои Саййид Муҳаммад Шаралихон ибн Ҳожихон зухур айлади.

Воқеаси будур: Қачонки Норбўтахонни фарзанди аршади Олимхони ғаюр дару-с-салтанат тахтида қарор топганда, неча хеш-таборлари ила қўшуб амакиси Ҳожихонни ҳам шахид қилғонда, Ҳожихони шахидни икки фарзанди аржуманди, //41^a каттаси Бекўғли бек, кичиги саййид Шералибек, бу икки шахзодалар жони ширинларини қутқармоқ ниятида ҳазимат айлаб, кўзлари гирён, дидалари бирён, ўзларини Чотқолни Талос ном мавзеига етқуриб, мутававватин бўлиб, қарийб 40 йилдан зиёда анда умр ўтқардилар. Бекўғли бек бир кун бир эски томни остида тиловати қуръон этиб ўлтурур эди, баногоҳ том йиқилиб, босиб қолиб анда марҳум ўлди. Мазбурдан Содикбик номлиғ бир фарзанди арсаи офоқда қолди. Укаси Шералибек икки хотун олди, бири Сўна ойим ва бирини Жарқин ойим дер эдилар. Бу икки хотундан беш ўғул икки қиз вужудга келди. Катта ўғлини Абдурахмонбек дер эдилар, отаси сўганидан Саримсоқ²⁸⁹³ дер эди, лақаби Саримсоқ //41^b хон *амир лашкар* ном олди. Иккинчи ўғли Маллахон²⁸⁹⁴ Баҳодир, учинчи ўғли Худоёрхон эди, яна Валиғми (валинаъми), Валиғмижон дер эди. Худоёрхон валиғми ном кўтарди, тўртинчи ўғли Сўфибек²⁸⁹⁵, бешинчи ўғли Султон Муродбек эди. Саримсоқхон *амир лашкар* ила Худоёрхон валиғми, Султон Муродбек Жарқин ойимдан тасаллуд топган эди. Маллахон баҳодир ила Сўфибек Сўна ойимдан таваллуд топган эдилар.

Алқисса, мардуми Фарғона саййид Шералихонни таърифи сифати ҳамида хисол, неку атворини эшитиб, Юсуф *мингбошини* би-л-иттифоқ юбориб, амир сафдарни дар зери ливойи нусратасар остига жойгир айлаб, зафару саодат ойини бирла озими Хўқанди латиф бўлдилар.

Маснави:

Ба рўзе, ки толеъ бад-ў ёр буд,
Аллам дору давлат падидор буд
//42^a Гузидатарин рўзе аз рўзгор,
Чу ийде ки ояд ба фасли баҳор.

²⁸⁹¹ Умархоннинг хотини, шоира Нодира кўзда тутилмоқда.

²⁸⁹² Қўқон хонларининг сулолавий қабристонини.

²⁸⁹³ Абдурахмонбек/Саримсоқбек – Шералихоннинг катта ўғли. Тошкентнинг ҳокими (1842-1847) Мукулмонқули фитналари натижасида 1847 йили ўлдирилган.

²⁸⁹⁴ Маллахон ибн Шералихон Қўқон хони(1858-1862).

²⁸⁹⁵ Сўфибек – Худоёрхоннинг укаси. 11 жумада ал-увла 1276/6 декабрь 1859 йили вафот қилган. Назирбек деган ўғли қолган (1887 йили ҳаёт эди).

Вилоят Чустга келиб, рўзи жумъа намозини мазори фойиз ул-анвор, ҳазрати бузруквор мавлоно Лутфуллоҳ Чустийда адо этиб, мадади истиоънат талаб этуб, баъд аз он дору-с-салтанати Хўқандга етиб келдилар. Ҳануз золим манғитлар хабар топиб, саранжоми корини олғани йўқ эди, - «ур манғитни», «тут манғитни» - деб, ўзбекия, муғулия, туркия, қирғизия²⁸⁹⁶ қатли омга қўл қўйдилар. Камбахтони манғитлар баъзилари асир бўлуб, баъзиси ўнғур-чўнқурларга ўзларини финҳон этиб, аксарлари қатлга етдилар. Иброҳим Хаёл манғит саросимавор бир мунча манғити ила Хўқандни Қамичлик гузари, мозор тарафи ила чиқиб, қочиб жўнади.

Амири шери бешаи шужоъат, манғитларни қириб, нест-нобуд //42^б айлаб, бобойи аждодларини тахтига янгидан жулус айлади. **Байт:**

Зафар мулозим-у, нусрат қарин, давлат ёр,
Қавий ба толеу фархунда пушт истизҳор.

Ижлоси монанди офтобни тулуидек халқни кўзига кўрунуб бу байтни ўқур эдилар.

Байт:

Биҳамдиллоҳ ки бозам хисрави гетиситон омад,
Чу Мўсо, гусфандони раъиятро шубон омад.

Чун би авни инояти яздоний ва ба анвори отифати субҳоний, хони соҳибқироний маснади комроний ва муттакоий давлати шодмонийга ўлтурди. Чунон раъиятнавоз хон бўлдики, ҳамма бидъатҳойи нохуш осори зулмини барҳам урди. **Маснави:**

Жаҳонпарваре шаймааш дину дод,
Ҳалиму хирадманд, неку ниҳод.
Ситамро зиён, адлро суд аз ў,
Худо рози-ю, халқ хушнуд аз ў.

Жаҳонгиру жаҳондор ба амри Малики Жаббор ба саъди соот бар сарири жаҳон //43^а бониға тақя қилиб, боз давлат хонадони Бобурийға интиқол айлади. Манғитлар қатлга етуб, ҳазимат қилғондан бўлак уч минг асир бўлғон эди, Фарғонадан мулку жой олгон бухорийларни ва манғитларни кўшуб, асирлар ила Бухорога равона қилдилар. Ўттиз минг лашкари жарорга Саримсоқ ном катта ўғлини *амири лашкар* айлаб, Юсуф *мингбошини*²⁸⁹⁷ қўшиб, амири Бухорони жавобини бериб, муҳораба қилмоқға мутасадди қилди. У замонда дору-с-салтанат Хўқанди латифда қалъа ва

²⁸⁹⁶ Қирғиз(лар) – Қирғиз номи илк бор геэгуьн шаклида хитойча «Ханшу» («Хан сулоласи тарихи»; мил. I аср) йилномасида мил. ав. 203 йилги воқеалар баёнида тилга олинади. Қирғизларнинг келиб чиқиши ҳақида турли қарашлар мавжуд, хусусан уларнинг Енисей қирғизлари деб аталмиш халқдан тарқалгани масаласи мунозарали. Қирғизларнинг илк этник тарихи қадимий қабила иттифоқлари (хунлар, дин-линлар, саклар ва усунлар) билан боғлиқ. Турк ҳоконлиги ва кўчманчи давлат уюшмалари даврида (VI–X асрлар), кейинчалик қирғизлар таркибига кирган қабилалар Саян-Олтой, Иртиш бўйи, Шаркий Тяньшаннинг туркий аҳолиси орасида шаклланганлар. Қирғизларнинг бир қисми IX–XII-асрларда, катта қисми эса ўрта асрлар давомида ғарбга кўчиб, Иссиққўл атрофлари, Етгисув ҳавзаси, Тяньшан (Тангритоғ) ён бағирлари, Фарғона водийсининг тоғолди ҳудудлари ва Дашти Қипчоқ ўлкаларига бориб жойлашган.

Қирғизларнинг асосий қисми Тяньшан ва Иссиққўл оралиғини макон тутиб, бу ердаги бир неча туркий қабилалар билан биргаликда ҳозирги қирғиз халқини ташкил қилган. Қирғиз халқи таркибига, шунингдек, Етгисув ва Мовароуннахрнинг туркий қабилалари, жумладан қарлуклар ва уйғурлар, кейинроқ мўғул қабилалари, XVI—XVII асрларда эса келиб чиқиши қозоқ-нўғайлар билан боғлиқ қабилалар кирган. Қирғизларнинг бир қисми бошқа туркий халқларнинг этногенезида қатнашган. Хусусан, 92 ўзбек уруғига оид шажараномаларнинг барчасида қирғиз этноними қайд қилинган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бир неча вилоятларида қирғиз номи этнопоним сифатида сақланиб қолган.

Қирғизлар хонлик даврида кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик, айрим туманларда XIX асрнинг иккинчи ярмидан деҳқончилик билан шуғулланган.

²⁸⁹⁶ Қипчоқ(лар) – (рус манбаларида – половцы, Византия манбаларида – куманлар) – туркий халқларнинг энг йирик қабилаларидан бири; ўзбек халқи этник таркибидаги асосий компонентлардан бири. Қипчоқлар нафақат ўзбек халқи этногенезида, балки қатор бошқа туркий халқлар — қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, туркманлар, татарлар, бошқирлар, олтойликлар ва Шимолий Кавказдаги айрим халқлар (нўғайлар, кўмиклар, қорачойлар ва б.) шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Қипчоқларга хос этник белгилар усмонли турклар, венгерлар ва б. қатор халқлар таркибида ҳам мавжуд.

Қипчоқларнинг Мовароуннахр маданий минтақаларига ялпи кўчиб келиши Шайбонийхон даврида XVI асрда ва кейинчалик XVII асрда аштархонийлар даврида юз берган. Шунингдек, қипчоқлар XVI нинг иккинчи ярми – XVIII нинг бошларида, жунғарларнинг Қозоғистоннинг жанубий ҳудудларига бостириб кириши жараёнида ҳам Зарафшон воҳаси ва Фарғона водийсига кўчиб келганлар. Қорақалпоқлар, қозоқлар билан бирга қипчоқларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши икки йўналишда бўлиб, уларнинг бир қисми Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб Тошкент воҳаси ва Мирзачўл ҳудудларида жойлашган. Қипчоқларнинг иккинчи қисми эса Ўрта Зарафшон бўйлаб кетган. XVIII асрнинг 20–30-йилларида қипчоқлар Шимолий Фарғонанинг тоғ олди минтақаларига келиб ўрнашганлар. Фақатгина маълум миқдордаги қипчоқларгина Тошкент воҳасида қолган. Бу даврда қипчоқлар 4 та асосий гуруҳга: қора қипчоқ, сарик қипчоқ, хитой қипчоқ ва қулон қипчоқларга бўлинган. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, майда гуруҳларга бўлинган. Қипчоқларнинг айрим гуруҳлари XX асрнинг бошларигача ўзларининг уруғ-қабилавий бўлинишларини сақлаб қолганлар.

²⁸⁹⁷ Юсуф бий, Кўкон мингбошиси – 1259/1843 йили шаъбон ойида Кал Шоди фитнаси билан ўлдирилган. Шоди додхоҳ (Кали Шоди), мингбоши эса 1844 йили ўлдирилган.

кўрғон йўқ эди, амир Насруллоҳ, муллаққаб Баҳодирхон қайтадин келиб Хўқандни муҳосара қилмоқ эҳтимоли бор мулоҳазасида, султони бо хуши дурандеш аз рўйи сайъ жидду-жахди тамом ила бинойи қалъага кўшиш кўргуздилар. Зероки (бу) некии (яхшилиқ) давлат ва истехкоми //43^б дур.

Ҳамани талаб, амири Бухоро олиб кетган аслаҳа, хазина, дафина йўқ эди. Ҳануз қалъа итмомга етганча йўқ эди. Бухоро амири Иброҳим Хаёл ҳолидин огоҳ бўлуб, Яъжужвор тўқсон икки туман аймақийя Бухоро қўшунини йиғиб, қаҳру-ғазаб бирла, кўҳ-хамовандларни таййи манозил этиб, қария ва дехаларни талаб, этиб келди. Неча жойда Саримсоқхон *амир лашкар* ва Юсуф *мингбошилар* диловарлик додини бериб, номларини жаҳонга писанд қилдурдилар. Ҳаз ал-қиёс Бухоро қўшуни мўру-малахдек эди, келиб Саритол ном мавзегга хайма ва хиргоҳларини тикуб, ҳар кун қўшунини амир Бухоро, шаҳри Хўқандга югуртурур эди. Қалъани шимол тарафи нотамолик сабабли шаҳар халқи чиб босиб, бир тарафдан қалъа биносига ишлаб, бир тарафдан жангу- //44^а жидолга камари химматини белларига боғлаб, кўшиши марди мардоналик кўрсатур эдилар. Маҳаммад Шариф *оталиқ* ила Гадейбой *додхоҳ* бу иккиси агарчи жондан дерина хизматкори хони Фарғона бўлсалар ҳам аз рўйи кўрнамаклик, амири Насруллоҳга бу сафарда ҳамроҳлик қилиб хизмат кўрсатур эдилар. Муҳаммад Назарбек²⁸⁹⁸ ва Йўлчибек *додхоҳ* жонсипорлар атрофдан амири Бухоро қўшинига халали куллий еткурур эдилар. Шаҳри Хўқанд шунча қамал бўлғони ила ҳеч очликдан танг ўлмадилар.

Шул аснода Мусулмонқули²⁸⁹⁹ чўлоқ ва Муҳаммадкарим *додхоҳ* ва Эшон тўра Тошкандлик ва ғайруҳумларни амир Насруллоҳ «оқ-уйлик» айлаб, Бухорога олиб кетган эди, бу сафарда ҳамроҳ эдилар, амири Бухородин рўйгардон ўлуб, //44^б амири кабирни остонбўсиға ўзларини еткуруб, алтофи шоҳонасига мушарраф бўлдилар. Амир Насруллоҳ бу кирдордан воқиф бўлиб, алангаи оташи ғзаби осмонга суъуд айлаб, печида уруб, чунон лашкарини шаҳрға югуртириб, жанги сахт қилдики, ҳеч подшоҳни замонида мундай жанг камдан-кам бўлғай. Қайси тарафдан ва жонибдан бухорийлар югурсалар, ҳамла келтурсалар, шикаста фоҳиш еб ёнур эдилар. Амир Бухорога навмидлик юз келтуриб, ноилож ороға сулҳ ва ошти солиб, Халифа Хусайн²⁹⁰⁰ алайҳи раҳмани фарзандларини ба тариқи элчигари ирсол қилди. Аркони давлати Фарғона жамъ бўлуб дедиларки: – амири Бухоро Муҳаммадалихон замони фаҳм қилмасун, алҳамдулиллоҳ бизлар хони хоқон саййид Муҳаммад //45^а Шералихон²⁹⁰¹ и одилни замонида, раоё масрури ғафлат вақти эмастурки, амири Бухоро нусрат топса, то рамақи жон кулли сипоҳ ва фуқаро султонимизга молу жонин фидо қилғусидур, то юз йил қабал бўлсоқ, (бир) тори мўйи Фарғона ғам ва андуҳ чекмас, балки оз фурсатда дастимиз ёрманди қилиб, мурод гули шукуфта қилғай, – деб умидвормиз, – деб элчини ёндурдилар. Амир Насруллоҳ маюс бўлиб, инони-азиматни Бухоро сари роҳи қилди. Амири кабир муҳосирадан фориг бўлиб, фарзанди аршади Абдурраҳмон бекни, мулаққаб Саримсоқхонни, *амир лашкарни* Тошканд ҳукуматиға масмум айлаб, Даврон бек *фармончики*, Қаноатшоҳ *қўшбеги*ни оғасидур, баҳодир бошилиқ²⁹⁰² мансабига сарафроз этиб, фарзанди дилбандиға кўшиб роҳи қилди. //45^б Иккинчи ўғли Маллахон баҳодирни Марғинон ҳукуматиға таъйин этди ва учинчи ўғли Худоёрхон валиғмини Тўрақўрғон ҳокимлигини ярлиғини бериб равона этди. Тўрақўрғон, Наманган шаҳрини ҳокимнишонидур. Зимоми ихтиёри кулли лашкари Фарғонага Мусулмонқули чўлоқки, дар боби талбис шаётин андин сабоқ олур эди, *мингбошилиқ* мансабига мансуб этиб, мумтоз айлади. Қори Имомали Қундузий қалъайи шаҳри Хўқандни бино бўлганини бу тариқа тарих айлабдур. **Таърих:**

Чун ба даври шаҳр султони замон,
Қалъаи тоқ ба хандақ сохт жуфт,

²⁸⁹⁸ Муҳаммадназарбек ибн Ирискулибий – Муҳаммадназарбек қўшбеги – хонликда бу ном билан иккита Муҳаммадназарбек маълум. Иккаласи ҳам қўшбеги унвонини олган. Бири Муҳаммадназар бий кўрўғли кипчоқ, етти қашқа уруғидан. 1840 йилда Шаҳрихон ҳокими. 1852 йили Худоёрхон фармони билан бу вазифадан олинган. Иккинчиси Муҳаммадназарбек Сақав ибн Ирискулибек минг – Муҳаммадалихон онасининг тоғаси. Шу Муҳаммадназарбек 1842-43 йй. парвоначи унвонида Намангонда ҳоким бўлган. 1852-1853 йй. Хўжанд ҳокими. 1865 йилдан Қошғарга кетиб Яъқуббек давлатида хизмат қилган.

²⁸⁹⁹ Мусулмонқули кипчоқ/чўлоқ – 1842 йилдан Қўқон хонлигинг сиёсий майдониға келган кипчоқларнинг машҳур пешволаридан. Уч марта ингбошилиқ мансабига кўтарилган. Худоёрхоннинг отолиғи ва қайнотаси. 1844-1853 йиллар давомида хонликни бошқарган. 1853 йили қатл этилган.

²⁹⁰⁰ Халифа Хусайн – “Эшони пир” номи билан машҳур бўлган каландария тариқатининг пири. 1834 йили Бухорода вафот этган.

²⁹⁰¹ Саййид Шермуҳаммад Алихон, яъни Шералихон (1842-1844). 1790-91 оламга келган. “Мунтахаб ут-таворих” асарининг муаллифи Муҳаммадҳакимхоннинг маълумотиға қараганда Шералихон 2 шаъбон 1260/16 август 1844 йили Муродхон томонидан қатл қилинган. Шунда у 55 ёшда бўлган, 2 йил ва бир ойу 25 кун хонлик қилган. Муродхон 9 кунлик хонликдан кейинг 9 шаъбон 1260/23 август 1844 йили кипчоқлар қўлида Мусулмонқули ва Муҳаммадназарбек раҳбарлигида ўлдирилган. Худоёрхон 24 августда тахтга кўтарилди. Қаранг: Муҳаммадҳакимхон. Мунтахаб ут-таворих / Кириш, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 126.

²⁹⁰² Баҳодирбоши/ботирбоши - мунтазам кўшин аскарларининг бошлилари. Хонликда ҳар бир вилоятнинг ботирбошиси бўлган. Демак улар вилоят кўшинлари, кўр-қурон, ҳарбий захираларга ҳам жавобгар амалдор бўлган.

Баҳри тарихаш хирад аз рӯйи даст,
«Шерали шаҳ бони аз қалъа» гуфт²⁹⁰³.

Боз мулла Абдураззоқ, шоир-ки Хўқандни заккийтабъларидин эди бу тариқа тарих ёзибдур.

Тарихи қалъаи Хўқанд:

//46^a Дар замони Шуралихони шаҳид,
Қўрғони атрофи ин шаҳри шариф,
Ҳукми олий шуд ба бино як ҳарзи хос,
Арзи-пахно хориж аз фикр заъиф,
Аз ҳисори оҳанин мустаҳкам аст,
Машқи пири-кор, сафойи халқи шоҳ,
Ёддгори монд аз ҳукми зариф.
Дил ба тарихаш «кулаҳ» бишкаст гуфт,
«Қалъ ул-ислом Хўқанди латиф»²⁹⁰⁴.

Амир Насруллоҳ Хўқандни таҳти тасарруфига олганда олам муяссар бўлгандек бўлиб, ўн бир кун Хўқандда туриб, Бухорога ёнурида. Хўқандга Иброҳим Хаёл манғитни Қурама, Хўжанд, Тошкент, Бўкага Муҳаммашариф *оталиқ* кўрнамакни ҳоким айлаб, ёнган эди, замон ўзгариб, Тошканд ҳокимлиги шаҳзодаи жаҳонбахт (жаҳонтоб) шери ба ҳайбати комёб Саримсоқхон *амир лашкар* баҳодирға ёрлиғи ҳумоюнни судур топди. Ўшал вақт озим бўлуб //46^b Хўжанд, Қурама, Бўка ва Тошкентга кўшиши бешумор жангу маҳорабаи пойдорлар кўргузуб, охируламр мусаххар этиб, Муҳаммадшариф *оталиқ*ни дастгир айлаб, отаси Саййид Муҳаммад Шералихонга пешкаш қилиб, асарини бериб юборди.

Хони софзамир шаҳр халқига топшириб, фуқаройи Хўқанд тошборон қилиб ўлдириб юбордилар. Муҳаммадшариф *оталиқ*ни қатл топганини Эшон Қори Қундузий тарих силкига тортибдур. **Таърих:**

Чун кушта шуд ба хори Муҳаммад шариф *оталиқ*,
Бар дасти аҳли Хўқанд мақтули ғайри маъқул.
Устои ақл Комий тарихи соли қатлаш,
Гуфто зи руйи инсоф «Муҳаммад шарифи мақтул»²⁹⁰⁵.

Жаноби шаҳзодаи комкори олитабор, пурдил, шергири беназир //47^a Тошкандни фатҳ айлаб, аморат паноҳлиғ қилғонини Эшон қори [Қундузий] тарих ба номи хужаста фаржомни дар зайли бу қитъа, ба тариқи разм ва иймо адо айлабдур. **Таърих:**

Чун зи абнойи хони Фарғона,
Онки дар син зи дигарон аъзам.
Буд ў, балки аршад-у ашжаъ,
Аз делирони вақт ҳам ақдам.
Буд хони замона, хост-ки ў,
Баҳри тасхири Тошканд қадам.
Пеш монад зи дигарон ки бо ў,
Ҳукми он мамлакат шуда маҳкам.
Лек вақти хуружи лашкари шоҳ,
Ба арўзи бати равона алам.
Кард худ дар фироши бемори,
Хуфт то ин, ки бо шиқои атмам.
Фатҳи он мамлакат мақорин ёфт,
Ложарам шуд ба хотир хуррам.
Озими ин диёр токи расид,
Андар он мулки бо шукуҳ ҳашам.
Комий, ин мамлакат, муборакбод,
Гуфт тарихи ў ҳаме жустам.
Зад дабири хирад ба рўйи варақ,
Даври хонзода шужоъ рақам.
//47^b Баскиям тасриҳи номи некаш дур,

²⁹⁰³ Қўкон атрофидаги қалъа девори 1843 йили барпо этилган.

²⁹⁰⁴ Милодий 1843 йили.

²⁹⁰⁵ “Рўйи инсоф”даги “алиф” ҳарфидан таърих моддаси бўлмиш ахтарилаётган сана сонлари бир минг икки юз эллик тўққиз (1259/1843) “Муҳаммадшариф мақтул”дан ҳосил бўлади.

Аз адаб буд мизмараш орам.
Офтоб аст матлаъи номаш,
Ки ба нураш мунаввар ин олам.
Ҳарфи соний, солис-у робий,
Нест жуз моҳи чаҳордаҳ бекам.
Чун хама зулф агар мусанно шуд,
Он чи монд зи ном аз ў жўям.
Дар жаҳон токи солу-моҳ боқист,
Бод иқболи нусраташ тавам.

Жаноби хони софдил, Мусулмонқули кипчоқни Фарғона лашкарини сардори, минбошилик мансабига сарфароз этди. Мусулмонқулини тийнати бузуқ нобакори маккор эди. Мунтазири фурсат бўлиб, Муҳаммадназар Кўр ўғлини ўзига дамсоз айлаб, кўп аллололар қўзғарди. Бешани шерлардан холи қилиб, кўп иқтидорни кипчоқ ва қирғизиялар қўлига тофшуриб, Юсуф *мингбошилар* қатлиға сабаб бўлиб, анжомини саранжом берди. Ихтиёри давлати Фарғона //48^a ўзбеклар қўлига ўтди.

Пайғамбар алайҳиссаломдан ҳадиси шариф келтурадурлар. Пайғамбар саллолоҳу алайҳу вассалам дебдурлар: ўзбек асоий мандурлар. Яна буюрмишлар: «Ут-турку хайр ул-уммати» (ўзбек умматимнинг энг яхшисидир]. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Мустафо, разийаллоҳа анҳумо, ҳазрат расул саллолоҳи алайҳи вассалламдин савол қилдилар: - ё расулуллоҳ ўзбек қайси пайғамбар наслидурлар, - расуллоҳ алайҳи вассалам айтдилар: ўзбек, насли Ўзған пайғамбардурлар Ўзған, насли Ўрмиён, Ўрмиён аз насли малик Толутдир, Малик Толут Яҳудо наслидур Яҳудо ҳазрати Яъқуб пайғамбар насли ва Яъқуб пайғамбар фарзанди Исҳоқ пайғамбар ва Исҳоқ пайғамбар аз насли Иброҳим пайғамбар алайҳумуссалом. Ўзбек етти пушт ила ҳазрат Иброҳим пайғамбарга етур, //48^b асли номи ўзбек, ўзбекдур.

Қисса мухтасар, муроди асли шулки, Мусулмонқули чўлоқни муддаоси шул эдики бирор тадбир ила Шералихони равшан замирни ҳалокатга етқуриб, ўрнига бирор ёш хонзодалардан хон кўтариб, кулли ихтиёри Фарғонани тахти тасарруфига олса. Бу ғарази фосид бирла ўзи Андижон йигитларини кўруқини кўриб келмоқ баҳонаси ила хони замондан мураҳхас бўлиб, ба жониби Андижон озим бўлиб, йўлдан Сотиболди *додхоҳ* қирғизга мактуб ирсол қилди. Мактуби Исфарада Сотиболдиға етиши ила Мусулмонқулни имдоди ва роҳнамунлиғи бирла Муҳаммадмуродбек ибн Олимхонки Ўратефада истикомат қилур эди, одам юбориб келтуриб, мунтазири фурсат бўлуб тургон эди, дафъатан //49^a жўнаб, рўзи чаҳоршанба, Хўқандни бозор куниси, доҳили ўлуб Шералихон аркида ибодатга машғул бўлиб ўлтурган ҳолида дастгир этиб, шаҳид айлаб, ҳазрати Офоқ²⁹⁰⁶ни қадам жойларига дафн айлаб, Муродхонни тахтга чиқариб ўтқордилар. Муродхон бечора ғайбдан нима зуҳур қилурин билмас эди.

Эмди сўзни Мусулмонқулдин эшитинг. Мусулмонқулга бу хабар етгач муддаоси ҳосил ўлиб, Азиз²⁹⁰⁷ *фармончини* Мурзот *қўшбеги* бирла ўзига ёрдамчи этиб, би-л-иттифоқ озими Намангон бўлиб, Худоёрхон валиғми Тўрақўрғонда ҳоким эди, Мусулмонқул, ҳамма аркони лашкар ўзларини етқуриб, дасти байъат бериб ба тарафи Хўқанд роҳи бўлдилар. //49^a Эшон қори Қундузий Шералихон марҳумни шаҳид бўлғони бирла Муродхонни тахтга ўлтурғонини тарих этибдур. **Таърих:**

Шералихон шоҳи Фарғона,
Шуд амон, аз миёни мардум рафт.
Он қадар тир, найзаву шамшир,

²⁹⁰⁶ Офоқхўжа (1625, Кумул, Шарқий Туркистон – 1695, Қўқон қишлоқ, Қашғар вилояти) – ислом ва тасаввуф илмининг йирик тарғиботчиларидан бири ва Ёркенд хонлигида тахтга ўтирган хўжаларнинг дастлабкиси; Туркистон тасаввуф илмининг раҳнамоларидан Маҳдуми Аъзамнинг авлоди. Офоқхўжанинг исми Ҳидоятуллоҳ бўлиб, у халқ орасида ҳурмат белгиси бўлган ”Офоқ” (“Ёруғ дунё” ёки “Ёруғлик эгаси”) – хўжа номи билан машҳурдир. Офоқхўжа ёшлигида отаси Муҳаммадюсуф ибн Эшони Калон билан турли шаҳарларда юриб билим ва тарбия олган. 1638 йилда Қашғарга келиб, отаси вафотидан сўнг бу ердаги октоғлик хўжаларга бош бўлган. 1670 йилда Ёркенд хонлигида юз берган ички курашлар натижасида Офоқхўжа Қашғарни тарк этиб Туркистон шаҳарларида, қалмоқлар (ойротлар) орасида ва Хэши йўлагидаги (Хэси-цзоулан) вилоятларда диний тарғибот ишлари билан шуғулланган. 1678 йилда Тибетда икки йилга яқин яшаган ва бу ердаги будда дини вакиллари билан яқин алоқада бўлган. 1680 йили Тибет зодагонлари ёрдамида ойротлар хони билан танишган. 1681 йилда қалмоқлар томонидан Ёркенд хонлиги тахтига ўтқазилган. Унинг жасади Ёғду деб номланган жойдаги ота-бувалари қабри ёнига дафн этилган. Шундан бошлаб ушбу қабристон “Офоқхўжа мазори” деб номланиб, зиёрат масканига айланган. Офоқхўжанинг Хонхўжа (Хўжа Яҳё ибн Хўжа Ҳидоятуллоҳ ибн Хўжа Муҳаммадюсуф ибн Хўжа Муҳаммадамин ибн Маҳдуми Аъзам Даҳбедий) ва Кунхўжа (Хўжа Бурҳониддин) сингари ўғиллари сулола давомчилари сифатида Шарқий Туркистондан ташқари Ўрта Осиёда ҳам катта обрўга эга бўлишган. Яна қаранг: Шарқий Туркистон хожаларидан Маҳдуми Аъзам авлодлари шажараси //Турон тарихи. Оммабоп мажмуа. 1994. – №3. – Б. 9-12.

²⁹⁰⁷ Азиз фармончи/парвоначи Чустий. “Азиз бачча” номи билан машҳур. Асли Чустлик. Қўқон хонлигининг давлат арбоби ва саркардаларидан. Тошкентда ҳам ҳоким бўлган.

Омад андар миёнки 3-эшон рафт.
 Ақлу дониш чунонки рехта шуд,
 Хуни мардум гумонки имон рафт.
 Чун Муҳаммадмуродхон воқиф,
 Шуд, бар ин фитна аз дил он рафт.
 Турки шоҳи чунонки ў биншаст,
 Бар сари тахт Шералихон рафт.
 Баҳри тарихи азлу насб ҳамин,
 Байти Комий зи фикр осон рафт.
 «Аҳли Фарғона ба мурод расид,
 Ки аз ин жоҳ амир осон рафт»²⁹⁰⁸.

Қачонки, Муҳаммадмуродхон Хўқандни тахти сарири жаҳонбонига ўлтирди, Маллахон Марғинондан безгак касалига гирифторм бўлиб, Хўқанд келди, отаси олдида турган эди. //50^a Сўфибек бирла Султон Муродбек ёш эдилар. Муҳаммадмуродхон буларни бир жойи маҳкамга муҳофизат айлаб гумашталар тайин этуб, шурби кўкнор ва афюнга қиём буюруб ичкуздурур эди орада тўқуз кун ўтиб, сана 1260/1244 ҳижрияда лашкари қипчоқ етиб келиб, Муҳаммадмуродхонни маъзул айлаб, ўн икки ёшида Худоёрхон валиғмини отаси тахтига чиқариб, жойгир айлаб, оройиши сарири маснад қилдилар.

Шуаройи Фарғона тарих бойлаб, назм силкига тортубдирлар. **Таърих:**

Замона дид зи даври фалак шикаста ажиб,
 Жаҳон зи гардиши айём ёфт турфа халал.
 Ки ба тажаммули шоҳи Муродхони мафтух,
 Намуда хиттаи Фарғона аз раҳи асҳал.
 Бикушт амири ҳамон мулк Шералихонро,
 Вале ҳукумати ў дар жаҳон накард амал.
 //50^b Зи ҳафта пеш аз ў боз мамлакат қипчоқ,
 Гирифт бо дами теғаш задан дар мақтал.
 Бо иттифоқи ҳамон қавм шуд ба жояш амир,
 Зи насли Шерали шоҳ кўдаки ақал,
 Касеки соли ҳамин азлу насб аз Комий,
 Кунад савол, мешавад дар жавоб ў маътал.
 Бегу, «расид ба Фарғона бе ибо қипчоқ,
 Муродбек аз он дида рўйи **ажал**»²⁹⁰⁹.

Махфий ўлмасунки ҳар қайси калима «қипчоқ» ва «Фарғона» моддаи тарих воқеъ бўлиб ишорат тушубдур.

Худоёрхон валиғма тахти худойдоди ота-бобосига асъади соат, ба дастури маъҳуд ва бар сарири жаҳон бонига жулус қилди. Аммо хонлик исмидан бўлак кўлида инони замон ихтиёр йўқ, таҳсил ва шикор ила овора бўлиб, умр гузарон қилур эди. Қори Қундузий (Комий) шундай қалам тортиб, тарих бойлабдур. **Таърих:**

Зи даври фалак, хусравони замон,
 Ҳама мубтало гашта ба рўзи сахт.
 //51^a Гузаштанд аз тожу-тахти жаҳон,
 Ҳам аз жон шуда жумла баргашта бахт.
 Зи шаҳзодағони замон ҳар ки буд,
 Ба азми аморат ҳамма баста рахт.
 Вале шуд ба шоҳ Худоёр ёр,
 Соадатки, бинишаст бар рўйи тахт.
 Бегў баҳри тарихи ў «жо гирифт,
 Амир Худоёр бар рўйи тахт»²⁹¹⁰.

²⁹⁰⁸ “Аҳли Фарғона” ва “Шерали” сўзларининг ҳар бирида таърих моддаси жойлашган бўлиб, ўша икки модда таълифига ишора қилинувчи “уч юз эллик етти лафзи” исқот қилинса, таърих ҳосил бўлади. Демак, “аҳли Фарғона”дан ва чиққан сондан 1260/1844 сони ҳосил бўлади.

²⁹⁰⁹ “Қипчоқ” ва “Фарғона” сўзларининг ҳар бири таърих моддаси бўлиб, бу ерда “ибо” сўзи исқот қилинади ва биринчи модда бўлмиш “қипчоқ” сўзи ва ҳам “Муродбек” сўзининг исқоти билан “рўйи ажал”ни чиқариб, иккинчи модда бўлмиш “Фарғона” сўзидан ва ҳам ёзилган ашъор мазкур икки модда таълифидан иборат бўлиб, шундан бир минг икки юз олтимиш (1260) ҳосил бўлади ва бу изланган таърих (1844 сана) сонидир.

Мусулмонкул ҳамма кор-бордин фориғ бўлиб, хийла найранг, доми тазвирни жилваға келтуриб, ҳазрати Миён Халил Соҳибзодага муршиди вақти комил эдилар, ақлу ҳушларини Мусулмонкули нобакор ўғурлаб, кўп чарб забонликлар кўрсатиб, камоли шарифға муҳрини босиб, аҳди амону-паймон айлаб шаҳзодаи софзамир Абдуррахмонбек ибн Шералихон, Тошкандда ҳукмрон эдилар, ҳузури шарифға ба тариқи элчигари Соҳибзода эшони мазкурни соддадилни, панди фириб бирла //51^o равона қилди. Вақтики Миён Халил Тошканд келиб, Саримсоқхон *амир лашкар*га кўруниш бериб, номани тофшурди. Ҳаммани мўбамў тақрир этдилар, Саримсоқхон *амир лашкар*ни кўнгли мулойим бўлиб озими Хўқанд бўлмоқға ваъда бердилар. Давронбек²⁹¹¹ *фармончи* тожик, диловар, ҳазбари замон, жон сипори Саримсоқхон эди, ҳарчанд манъ қилди муфид ўлмай шаҳзодаи ажал расида Соҳибзода эшон ила озими Хўқанд бўлдилар. Матлаби Мусулмонкул равнақ топиб, сайдини домида гирифтор кўрди. Аҳду-паймонни унутиб, Балиқчи мавзеига элтиб шаҳодатга еткурди. Бу номуносиб феъли-шаъани ҳаммани дилини реш айлаб, Мусулмонкулга ланъат ўқур эдилар. Мингийя, туркийя, юзийя, қирқийя ва ғайруҳум ҳамма уруғу аймақ, акобирзодаи ҳукмдорлиғда хилват-хилватда мужтамеъ бўлиб, машварат қилишиб айтур эдилар: - ихтиёри кули хонни ўзида бўлиб, Мусулмонкул таъарруз қилмасун, обо-аждоди ҳукмдорлиғда келгандур, савоб-хатосига //52^a райя буюн сунур. Мусулмонкули бадасл, нопок мудаббирни ҳукмиға ҳеч ким рози ва хурсанд ўлмас, агар ҳамма корлар бу тариқа бўлса анқариб барча поймол ўлса керак деб, - гўша-багўшада шикоят қилур эдилар. **Байт:**

Заминро зи бар тахти ором доданд,
Ба расми хос бори ом доданд.
Нишаст он шоҳ бар тахти каёнӣ,
Жаҳон лабрез шуд аз комронӣ.

Қисса кўтоҳ, кўб муноқашилар ўтгандур, агар ҳамасини баён ва аён қиламиз десак муроди асосидан қолиб, сўзимиз татвил тофса керак. Зарур жойларини таворихлардан интиҳоб айлаб, ёзиб ўтдим, борди келдиларини ёзмадим, тафсилани истаганлар «Мунтахабут-таворих» ва «Тарихи Шохруҳий»²⁹¹² ва «Тарихи жаҳоннамо» га шуруъ буюрсунлар. Булардан бўлак Муҳаммад Айюб мирзо²⁹¹³ ва Муҳаммад Олим мирзо²⁹¹⁴ ва Муҳйи²⁹¹⁵ шоир ва Муҳаммад Солиҳ хўжаи Тошкандий²⁹¹⁶ ҳар қаюлари ўз билганларича тарих ёзмишлар. //52^b Алар қаторида камина ҳам бу мақсудга матлаб этдим.

Алқисса, Мусулмонкул андак фурсатда Муҳаммадёр *додхоҳ* ва Холбек²⁹¹⁷ *қўшбегилардан* бадгумон бўлиб, макр-хийла ила ўлдириб юборди. Яна айтур эди: - Ҳай дариг, охир корим на ерга анжом тофур экан, хоҳлаб қилгон хоним муддаомча бўлмай, кундан-кунга хайр ва давлатхоҳлари ортиб, замон ўзгариб борадур, - деб, фикри-хаёли амиқға ғўта уруб, «бу хонни ҳам ҳадди камолга еткурмай нобуд айлаб, мундин ҳам ёшроқни хон қилмоқ лозимдур» – деб, фурсат пойлар эди.

²⁹¹⁰ “Амир” ва “Худоёр” сўзларининг ҳар бири таърих моддаси бўлиб, “ёр” ва “хам” сўзлари воситасида “рўйи тахт” сўзларигача барчаси бирга бир минг икки юз олтмиш (1260/1844) сонини беради.

²⁹¹¹ Давронбек – Қаноатшоҳ оталиқнинг укаси. 1842-1844 йй. Тошкент ботурбошиси бўлган. 1847 йили Сарисоқбек ўлимидан сўнгра Бухорога кетган эди.

²⁹¹² Бу асарнинг муаллифи Ашурмуҳаммад ибн Муҳаммадниёзийдир.

²⁹¹³ Муҳаммадайюб мирзонинг ким ва қандай асар ёзилгани маълум бўлмади.

²⁹¹⁴ Муҳаммадолим мирзо ибн Муҳаммадраҳим Тошкандий “Ансоб ус-салотин ва таворих ал-хавоқин” асарининг муаллифи.

²⁹¹⁵ Муҳйи – тахаллуси; асл исм-шарифи Муҳаммадризо Охунд ўғли (1835, Қандаҳор, Афғонистон –1911, Андижон) – шоир.

²⁹¹⁶ Муҳаммад Солиҳ хўжаи Тошкандий – Муҳаммадсолиҳ Раҳим Қорахўжа ўғли (тахм. 1830-Тошкент – 1890) – тарихчи ва географ олим. Муҳаммад Солиҳ бобоси мулла Абдураҳимхўжа ўз насабномаси билан Шайх Хованди Тоҳур (XIV-а.)га боғланишини ва у Тошкентнинг Қиёт маҳалласидаги Бекмуҳаммадбий масжидида имомлик қилганлигини ва дарс ҳам берганлигини таъкидлайди. Отаси домўлла Раҳим Қорахўжа ўз даврининг билимдон зиёлиларидан бўлган. Муҳаммад Солиҳ илк сабоқни бобосидан олган. Сўнгра Тошкентдаги Эшонқули додхоҳ, Бекларбеги, Хожа Аҳрор, Қўқондаги Азимбой ва Бухородаги Кўкалдош мадрасаларида таҳсил олган. 1863 йлда Тошкентнинг Қиёт маҳалласидаги бобоси имомлик қилган масжидда имом бўлган ва дарс ҳам берган. Муҳаммад Солиҳ Туркистоннинг турли жойларига сафар қилган. 1863-88 йилларда ёзган «Тарихи жадидаи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») асари Тошкент тарихига бағишланган бирдан-бир китобдир. Унинг муаллиф дастхатидан иборат нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади (№7791). Мазкур институт фондида асарнинг аслидан кўчирилган яна икки нусхаси мавжуд (1936, 1940 йиллар; №11072, №11073).

«Тарихи жадидаи Тошканд» 2 жилддан иборат. 1-жилд – умумий тарих, Туркистон ва қўшни мамлакатлар тарихи илгариги тарихий асарлар маълумотлари асосида ёзилган; 2-жилд – ўз навбатида 3 қисмдан тузилган; 1-қисм – XV-XVI-асрлардаги Фарғона тарихи, 2-қисм – XV-XIX-асрлардаги Туркистон тарихи, жумладан, Қўқон хонлиги ва Тошкент тарихи, 3-қисм – Тошкентнинг географик тавсифи ва муаллиф-нинг ўзи ҳақида ёзганлари. 2-жилд ёзма манбалар, мушоҳидлар ҳикоялари ва муаллифнинг ўз кўрганлари асосида ёзилган ва илмий нуқтаи назардан энг қимматлидир.

²⁹¹⁷ Мулло Холбек – хонликнинг ҳарбий ва давлат арбоби. Мусулмонкули томонидан қатл қилинган.

Хўқандни мадрасаи олиси бу замонда хони олиймиқдор номига итмомга етди. Шул вақт Азиз фармончини Тошканд ҳукуматидан олиб ўрнига Нормухаммад қўшбегини ҳоким этдилар.

Хон диловар ...²⁹¹⁸ //53^a Исабек²⁹¹⁹ фармончи ва Ўтаббой қўшбеги²⁹²⁰ ва мулла Каримқули дастурхончи²⁹²¹ бирла маслаҳатни дилфазир этиб, Нормухаммад қўшбегини ёғии Фарғона қилдилар. Бу хабари муваҳҳашдан Мусулмонқули аз рўйи жаҳл, жарчи қўйиб, анбўҳ-анбўҳ лашкари Фарғонани жамъ айлаб, озими Тошканд бўлди.

Қатъи масофат тай айлаб, Чирчиқ наҳрики Моварауннаҳрни биридур, китобларда «Оби паррак» дейдурлар, интихоси Сайхунга қўшилур, ағлаби омма «Сирдарё» дерлар, анга куйилур. Мусулмонқул мазкур Чирчиқдан ўтиб, Ниёзбек (қалъаси)²⁹²² га нузул этди. Ул кечаси ўтиб, офтоби оламтоб, пардаи зулумотидан бош чиқариб, шаъшаи нури бирла оламини равшан ва мунаввар қилди.

Муборизони фархошхуйлар истеъдоди жангни ўзларига ораста ва фироста дарбар қилдилар. Таковари бод рафтори жанг навар //53^b длариға рокиб ўлуб, гуруҳ-гуруҳ, эл-эл, аймоқ-аймоқ, санжоқ-санжоқ Тошканд қалъасига юруш кўрсатиб, мардлар шодмон бедиллар ғамгин ўлуб, бу кун кимни мурод гули очилур ва кимни таковари майдони размгоҳ ичида эгасиз қолур, – деб сўзлашур эдилар. Аммо шул аснода Фарғона қўшинидан бир неча сардорлар мунҳазам бўлиб, Тошкент қўшуниға мулҳақ бўлдилар.

Муни Мусулмонқули кўриб, фаҳм қилдики, яна андак таваққуф қилса, асири дами қайду-банд ўлмоғи муқаррардур, дархол инони азиматни Фарғонага ёндуруб, қўшунға сипориш берди. Хануз Чирчиқдан Мусулмонқули ўтганча йўқ эди, бир неча ақобири лашкарийя жилави хони Доро назирни ушлаб, ёндурдилар. Шул вақт Тошканд қўшуни етиб ўзларини отдан ташлаб, рикоби //54^a подшоҳи гардун осойиш амир саййид Худоёрхон валиғмини бўса айлаб, асъасай-дабдабаи моло-калом, тажаммули бешумори пойдор ила келтуриб, дохили Тошканд бўлиб, қайтадин хон кўтариб, муборакбод айлаб, табли шоди атрофу-акнофи оламға навозишға келтурдилар. Мусулмонқули музаббир, пур тадбирни шўришидан эмин бўлиб, доду адлга машғул бўлди.

Эмди сўзни Мусулмонқулидан эшитиниг. Мусулмонқули Чирчиқ наҳридан ўтиб, нажот соҳилига ўзини олиб Чатғол бирла Андижон ўтиб, Билқаламаки ўзини асли жойидур, анда етиб, Пойтуғ мавзеида қарор олиб, уруғ-аймоқ, элотия ила гафлашиб, хатлашиб, ҳар кун ранг-бараг ҳийла-макрни вуқуъга келтуриб, лашкар ораста қилмоқ файига тушди. Бу тарафда Худоёрхон валиғми бир неча кун Тошкандда осойиш ва фароғат айлаб, сўнгра озими дору-л-амора Хўқанд бўлдилар. Вақти дохили дору-с-салтанат бўлиб, тахти сарирға чиқиб ижлос кўргузуб, илтифоти шоҳонаси бирла ҳаммани фароҳури ҳол, сарафроз этиб, халқға бори ом тортдилар. Аммо хануз кўп қипчоқлар ҳар қаюлари бирор иш бошида ҳукумат сўрур эдилар, яна вақти бирла Мусулмонқул ила тофишмоқ эҳтимоллари бор хавфи бирла аларни ҳам корларини саранжом бермоқ тадбириға тушдилар.

Воқеаси будир: Мухаммад Ниёз²⁹²³ понсад²⁹²⁴ ва Қосим понсад²⁹²⁵ ва Ниёзалибек понсад муборизони пойтахти Фарғона эдилар. Тошканд қўшуни, Нормухаммад қўшбегини олиб, сана 1268 хижрийда 28инчи моҳи зу-л-ҳижжа, рўзи сешанба²⁹²⁶ дохили Хўқанд бўлиб, «қипчоқни //55^a тут» деб, «чофабер қипчоқни» деб, соатида қипчоқларни дами тиғдан ўткардилар. Камдан-ками кутилиб халос топгани Мусулмонқулга ўзларини еткуриб, баъзилари қишлоқ-қишлоқларда пинҳон бўлганларини қишлоқилар ҳар нима хоҳладилар қилиб, ямон ишлардан иртиқоб қилмадилар. Бу саранжоми кордан бир неча кун кейин Хўқанддан «қил-қуйрук» лашкар жам этиб, пиёда ва сувора амири кабир бирла бо саъди-соат лашкари фаровон бирла дасти тавсил ба ҳожиюлҳожот айтуб, асокири фирузасар ила таййи мароҳил айлаб, ба тарафи Билқалама роҳи бўлдилар. Марғинондан ўтиб, Андижон шаҳрига

²⁹¹⁸ Пойгир «Амир» сўзи билан бошланади. Қанча варақ йўқолгани номаълум.

²⁹¹⁹ Исо парвоначи (ўл.1853 й.) – асли номи Исҳоқ бек, йуз қабиласидан. Баҳодирбек ибн Худоёрбий ибн Фозилбий ибн Садиқбий ибн Хушиқабий ибн Кулика бий ўғли. 1842 йилгача шахрисабзда яшаган. 1842-1844 йй. амир Насруллоҳ томонидан Ўратефа ҳокими этиб таинланган. Қоқонликлар бу шаҳарни босиб олгач у бир муддат тутқунликда ушланди ва 1847 йили яна Ўратефага ҳоким этиб таинланди 1849 йили Худоёрхон фармони билан қатл этилган.

²⁹²⁰ Ўтаббой/Ўтамбий – 1862 йили вафот этган. Қипчоқларнинг элатон уруғидан. Қурама (1847), Тошкент (1858), Марғинон (1860) ҳокими. 1853 йил қипчоқлар қирғинидан Худоёрхон ҳомийлиги натижасида амон қолган эди.

²⁹²¹ Дастурхончи – хон ошхонаси ва таомланишига масъул амалдор.

²⁹²² Ниёзбек қалъаси – Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида барпо этилган Кўконнинг истехкоми. 1865 йили рус аскарлари томонидан бузиб ташлаган.

²⁹²³ Мухаммадниёз понсадбоши (ваф. 1857 й.) – Турсунмухаммад ўғли. Тошкент (1852-1853) ҳокими, мингбоши (1854-1857).

²⁹²⁴ Понсад – беш юз нафарлик қўшин бошлиғи.

²⁹²⁵ Қосим мингбоши – 1277/1860-61 йили афот этган. Закоғчи, ботурбоши (Тошкентда), додхоҳ, амири ашкар ва мингбоши унвонларини олган. Кейинчалик Бухоро амирлигига кетиб, амир Насруллоҳ ва амир Музаффарларга хизмат қилган.

²⁹²⁶ Сана 1268 хижрийда 28-чи моҳи зу-л-ҳижжа, рўзи сешанба – милодий 1852 йил 13 сентябр.

дохил бўлиб, дам-осойиш кўргуздилар. Андин ўтур Билқаламаға етиб ижлос кўргуздилар. //55^б

Шеър:

Зи овозаи азми хони жаҳон,
 Бижунбид яксар заминун замон.
 Биларзид кўху бижунбид дашт,
 Хурўши сипоҳ аз фалак дар гузашт.
 Зи хар жонибе раъият шуд паид,
 Равон фавж-фавж сипоҳ дар расид.
 Зи бас жўши лашкар зи пайроҳ роҳ,
 Басити замин танг шуд бар сипоҳ.
 Ҳама бо дили шоду, бо сози жанг,
 Ҳама гетиафрўз бо ному нанг.
 Ниҳон ҳамма рўй ҳомун бағал,
 Ҳаво яксар аз наён гашта наъл.
 Набуд бар замин пашшаро жойгоҳ,
 На андар ҳаво бодро монда роҳ.

Раъияти кайвони офтоби ашроқи хоний Билқаламаға етди, эртаси хони диловар рў-барўйи душман бўлгон эдилар, кипчоқлар ҳазбари замон ва диловари хунрездурлар, жони-ширинларидан қўлларин ювиб, бир каф туфроғни лаҳад туфроғимиз деб, кўюнлариға солиб, икки мингдин зиёдтар //56^а одам эдилар, алар ҳам уч бўлунуб, келганларича, маймана, майсара, қалби сипоҳға ҳарбу-зарб айлаб, Фарғона кўшунини мутафарриқ қилдилар. Муҳаммад Ниёз *қўшибеги* шул фирорда қочгонча Тошкандга келиб қарор олди, баъзилар Хўжанд, Ўратепага етиб тўхтадилар.

Аммо хони шердил ўн тўққиз нафар одами, *шогирд пеша-махрам* ва *ясовуллари* ила ва падар арўси [қайнотаси] Хўжа Калон тўра бирла бир баландлик тепа устида муаллақ қолдилар. Хўжа Калон тўра дедилар, - эй бўтам бизларға шикасти фоҳиш рўй берди, мундоғ офати пурхатар ичида турмоғимиз оқиллар иши эмасдур, лозумдурки, бир жойи бехатарға ўзимизни олсак, – деганларида, – хони дарёдил бевахму ҳарос падар арусига қараб хитоб айлаб деди, – Эй падар! ғамғусор дунёға //56^б келмакдин бир кун ўлмоқ муқаррар эмас-му, бизни онамиз ҳам ўғул туғдим деб суюнмайдими, хой-хой, эй падар бу жойи хатардан қочиб, сўнгра олам саҳфасида нечук нанг-номус кўтарурмиз, мени орқамдан ионат беринглар, нажотни парвардигардан тилаб, даст бурди кўргузурман, – деб шамширини ғилофидан суғуриб отиға тозиёна тортиб, душманлар сари роҳи бўлди. Етиб бир бўлак кипчоқни кўшунини зарби аввалда сафини бузиб, барҳам бериб, алам ва туғини сарнагун қилди. Шул вақтда Малахони баҳодир Марғинон кўшуни бирла йўлда келур эди, Ниёзалибек *понсад* қочиб борур эди, дучор келиб укаси амир валиғмини сўраб, ўтган можаролар масмуъ бўлгач оташ ғазаби шуъла уруб, //57^а ҳар тора мўйи пироханида сар бадар этиб, тезу-тунд тақовар суриб ўзини укаси Худоёрхонга етқуриб, мулоқат ўлиб, борақаллоҳ, жигар бандим эмди жаҳонгир бўлурсан, отангни руҳини хушнуд қилиб, доди мардоналикни берибсен, – деб, ҳар иккиси оға-ини топишиб, пуштба пушт қўйиб лашкари кипчоқни чунон дами тиғдан ўтқардиларки, кипчоқлар тоби-тоқат ва мақомат келтуролмай мунҳазам бўлуб, фирор айлаб, Пайтуғдин ўтуб, Ўзганд²⁹²⁷ тарафига ўзларини олиб, тоғларни жилғаларига паноҳ эттилар, хони зафар ойин нусрат қарин жангдан фориг бўлуб, ярадорларни йиғиб, ўлганларни жанозасин ўкиб, дафн айлаб, баъд аз он машварат қилгонларида баъзилар //57^б Хўқандга ёнурни маслаҳат кўрдилар. Аммо Маллахон баҳодир жўши-хурушга кириб, деди, - хирадмандлар қачон чарчаган сайдини кўлидан райгон берибдурлар? Алҳол монда ва кўфта бўлган тулкимиздур, орқасидан бориб осмонга чиқса бутидан, ерга кирса қулоғидан тортиб, дастгир қилурмиз, агар бу дамда Хўқандга мурожеъат қилиб корни нотамом қўйсак, бу ҳийладан Мукулмонқули нобакор дамани олиб андак фурсатда аждаҳо бўлиб, доманаи тоғдан чиқиб оламни қаллоб нафсига тортса керак, демаги ила бу сўз укаси хони ғайрат шиорга мақбул тушиб аҳсан айлаб, озими Ўзганд бўлдилар. Бу хабар элатияга етиб дардлариға чора топмай Мукулмонқулни даст гардан бойлаб, тортуқ пешкашлар ила келиб хони гардун сарирга кўрунуш //58^а бериб, тавба ва тазарруъ қилиб оёғига йиқилдилар. Хони замон аз рўйи шафқат бошқаларга амон бериб, Мукулмонқулни салосилу ағлол ила дар қайди банд этиб, аробага ўлтурғизиб, дидбон посбонлар таъйин айлаб, бу хабари фаррух асарни номага дарж этиб, дору-с-салтанат Хўқандга ирсол айлади. Илгариги қочқунчилар борганда Хўқанд аҳли бу шўриши қиёмат асарни эшитиб, оҳу надоматни гунбази давворга ўрлатиб, ночор Рустамхон тўраки ота тарафидан шахзодағони Хўқанд эди, ани хон кўтарган эдилар, кейинги зафари нусрат асар жаҳонға мунташир бўлиб, Мукулмонқулни посбонлар Хўқандга

²⁹²⁷ Ўзганд – Ўзгенд – Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги Ўзген тумани маркази. Қарадарёнинг ўнг соҳилида жойлашган.

еткурдилар. Рустамхон тўра хонликдан ўзидан-ўзи азл ва маъзул бўлуб гўша //58^б тутди. Мардуми Хўқанд бир неча кун Мусулмонкулни банди занжири ила тахтага чиқариб сўнгра дорга осиб, сангсор ва тирборон айлаб, макру фириб, зулму-бедодидан нажот тофдилар. Мирза Гофурбой мунши тарих бойлабдур. **Таърих:**

Мусулмонкул он золими бедиенат,
 Ба чандин укубат гирифтор гардид.
 Зи атвори-афъоли мазмуми шумаш,
 Сараш аз хижолат нагунсор гардид.
 Зи бас, буд он золими жавр пеша,
 Зи жавраш ҳамма олам безор гардид.
 Ҳадафвор сўрохи жисми китфаш,
 Ки аз тиру дашном, афгор гардид.
 Чу иблис бадном, то рўзи маҳшар,
 Ба нафрину лаънат сазовар гардид.
 Зи кирдори бад ҳам чу дуздони роҳзан,
 Танаш бин ки шойистайи дор гардид.
 Надида хирад ҳарфи сидқ аз каломаш,
 Чунин гуфт ба тарих, «хунхор» гардид.
 Чу ғаддори дин буд он шуми, бадбахт,
 Ки тарих ҳам, «дину ғаддор» гардид²⁹²⁸.

//59^а Мусулмонкулидин Абдурахмон Офтобачи ҳаромзода ёдгор қолди.

Бир неча замон рўзгори ғаддор осойиш тофгандин сўнг, Маллахон баҳодирни Тошкандга ҳоким айлаб жўнатдилар. Бу замони фарҳат анжомда Оллоҳшуқурбек Ўратефа ҳокими эди, китобларда Ўратефани Истарафшан дерлар, қалъаи Муғда ўлтуриб, кўрнамаклик қилиб, гарданкашлик айлаб, Хўқанддан юз ўгурди. Бу хабари нохуш амири кабири шердилга етиб муноди айлаб оз фурсатда лашкари кўх монанд жамъ айлаб, соати некда отланиб роҳи бўлиб Хўжанддин ўтиб, Ўратефани муҳосара этдилар. Ала-с-сабоҳ фотиҳаи фориҳа мардони шер хислатдан Фарғонага арзони бўлиб, чунон ҳамла кўргуздиларки замин-замон, макину-макон, саҳни дашту биёбон, қуввати бозуи шера //59^а мардонлар ларзага кириб, аҳсан-офарин ўқур эдилар. Ҳар тарафдан қалъага раҳна солиб, ўзларини шаҳр ичига олиб, багиру-бидор, оҳу-нолаи нимкуштогон шаҳр ичра пур ўлиб, ўғул отадин, ота ўғулдин хабарлари ўлмай қирқишдилар. «Малак дар боми фалак ангушти таҳайюрни ба дандони тафаккур газида» (Фалак бомида малак тафаккур тиши билан ҳайрат бормоғин тишлаб) айлар эди. Ушбу марду мардоналик бирла Ўратефа фатҳ ўлиб, Оллоҳшуқурбекни Исобек *фармончи*, Андижон ҳокими қатлига еткурди. Ўрнига Абдулғаффорбек ибн Муҳаммадраҳимбек золимни ҳоким этдилар. Бу ҳодисаларни Мавлоно Али Қори тарих айлаб рақамга олибдур. **Таърих:**

Қилди Фарғона хусравиға Худо,
 Бори нусратким ўтди жафшандин.
 Найзаси, токи Истарафшан ҳам,
 Бўлди мафтух ақли пурфандин.
 Манки тарихин айладим Комий,
 «Масалат ул деди эшит мендин».

//60^а Хони замон, музаффару мансурият ила ёниб, доҳили Хўқанд бўлдилар. Чандони фароғат қилғони йўқ эди, Абдулғаффорбек кўрнамакликни ўзига иртиқоб айлаб, ҳаракати нописандидалар зухур қила бошлади. Қаҳру-ғзаби Худоёрхон валиғми бештар ўлиб, асокири нусрат маосирға фармони вожибу-л-изъон судур товиб, лашкар қадамни рикобига қўйиб, санади фалак фарсоларига рокиб бўлиб, озими Ўратефа бўлдилар. Ҳануз доҳили Хўқанд бўлганлари йўқ эди, Маллахон тарафидан тахти дору-с-салтанати Хўқандни талаб айлаб, Тошкандки китобларда «Шош» битурлар, - андин Кўри Қўлдош бий ба тариқайи элчигари етиб адойи таблиғи рисолат қилди. Баъд аз мутолиъаи нома, хони ғаяур саҳт дилгир бўлиб, инони-ашҳаби тунд лагомни ба самти Тошканд маътуф айлаб, дарёи Сирдин //60^б уруб этиб, роҳи бўлдилар.

Ражаъно ила-л-қисса. Чун хабари вусули Худоёрхон валиғми Маллахон баҳодирга масмуъ ва мафҳум бўлди. Баъд аз музокарайи чанд, Маллабек баҳодир пойи жалодатни рикоби шужоъатга қўйиб, неча минг одам, лашкари пиёда ва савора шаҳри Тошканддан чиқиб, тасвиайи суфуфга

²⁹²⁸ Тарих 1269/1853 йилни беради.

машғул ўлиб, омодаи жангу набард ўлдилар. Сипоҳики дар зилли роайти ҳумаюни Худоёрхонда эдилар, фотиҳа олиб, ҳар тарафдин лашкари Маллабекга ҳужум этиб, корзор кўргуздилар. **Маснави:**

Бар омад чунон канд аз размгоҳ,
Ки бинмуд моҳи ва бинхуфт моҳ.
Чунон дар ҳаво пардаи шуд ғубор,
К-зи он сабзи ва лола рўйид баҳор.
Дар омад ба банду камаргоҳу даст,
Камарҳо гусисту, камарға шикаст.

Охируламр хоки идбор дар чашми лашкари Маллабек пур бўлиб рўйи //61^a хазиматни пеш келтуриб, шаҳри Шошга қамалдилар. **Маснави:**

Касеро ки ёри зи Яздон бувад,
Бар ў кори душвор осон бувад.
Чу ёри расад бандаро аз Илоҳ,
Канад кўхро аз замин ҳамчу коҳ.

Маллабек шаҳарга кирмай, роҳи Бухорони пеш олган эди. Баъд аз бу вақое атрофу акнофи шаҳр ва қария тортуку пешкашлар ила хонга куруниш бердилар. Хони воложоҳ хувравона илтифоти бирла ҳамани шодоб этиб, вилояти Тошкандни Шодмон хўжа қўшбегига меҳрибони айлаб, баъд аз осойиши вақт, озими дору-с-салтанат (Хўқанд) бўлдилар.

Тарихлар хабар берадурлар: Хони ҳашамат паноҳ доҳили Хўқанд бўлиб, ободонии мамлакатга иштиғол кўргузиб, *мингбошилик* мансабига Қосим //61^b *мингбошини* сарафроз этиб, асокири нусрат маоссирни ба тарафи Ўратефа, Абдулғаффорбекни танбеҳ бермоғ учун роҳи қилдилар.

Андак фурсатда етиб муҳосара айлаб, вилояти Ўратефани зеру-забар қилдилар. Бу ҳолдан Абдулғаффорбек мушоҳада айлаб билди, агар даранге қилса иши фасодга анжом тофур, ноилож тавба-тазарруъ, тортуқ тортмоқ ила қалъадан чиқиб, хони шафқат паноҳ аёғига йиқилди. Амири кабир, марҳамат навози ани борасиға буюриб, лаззати авфки чошни мазоқи хайрат задагондур, отифоти хусравони арзони этиб, ани ўрниға Рустамбек²⁹²⁹ни ҳоким қилди.

Болойи бу қисса бесаронжомлик замонида куффори ўрус Оқ масжид²⁹³⁰ кўлиға мутассарриф бўлиб сўнгра Оқ масжид қалъасини //62^a муҳосарасиға саъйи балиғ айлаб, бир неча кундин сўнг кўб мусулмонларни шаҳид айлаб, шаҳодатга етқуриб, охируламр Оқ масжидни таҳти-тасарруфиға олди. Ҳокими Оқ масжид Тўрақули ҳарчанд аризадощти дармондалик ирсол қилди, бу тарафда амниятлик бўлмай бечораларға имдод етқурғали бўлмади. Андак замон илгари муқаддам Яқуббек²⁹³¹ ҳам Оқ масжидға ҳоким бўлиб, боз олинган эди. Шу замонда Хўқандда бир ашула чикди, ашула будур: **Ашула:**

Яқуббек сотди Оқ масжидни кўлини,
Очиб берди ўрусларни йўлини.

Бу ашула хони ғаюрни қулоғига масмуъ бўлгач, Яқуб баччадин коҳиш этиб този, шикори итлар қаториға ўлтурғизиб олдиға таъом кўйди²⁹³². //62^b Боз бир нечаларни воситаси ила хони замон авф этиб мақомини берди.

Бу жойда Яқуббек таржимаи ҳолидан ёзиб ўтмоқ муносиб кўрулди. Бу Яқуб бачча Тошкандни Пискат ном қасаба қишлоғидан бир қассобзода дерлар, хўшрўй ўюнчи, ашулачи жўрабаччаси экан. Муҳаммадалихон ани ишва-карашма, нози дилфиребини таърифини эшитиб Пискатдан йўқлаб олдириб келиб, ўзига пеш хизмат маҳрам этди. Бу васила бирла бахтлиқ бўлиб, юзбошиликдан ўтиб, понсодлик мақомин олди, саркарда ҳокимликға етуб, Яқуббек ном кўтарди.

Истилоҳати Туркистон, ҳар-ким ҳокими шаҳар бўлса, фалон шаҳарга бек бўлди, деб беклик ўзига дарбар қилур. Охир умрида вилояти Қошғарға ҳукмрон бўлиб, «Бадавлат» ном олди. //63^a **Байт:**

Худо додагонро истеза макун,
Худо додагонро худо додааст.

²⁹²⁹ Рустамбек – 1858 йили 9 сентябр ўлган. 1854-1858 йй. Ўратепа ҳокими. Бухоро амири Насруллоҳнинг жияни эди.

²⁹³⁰ Оқ масжид – Сирдарё қуйи оқимидаги қўқонликларнинг истехкоми.

²⁹³¹ Яқуббек/Ёқуббек/Яқуббек – Муҳаммадқуббек Бадавлат (1820. Пскент-1877. Қошғар) – Шарқий Туркистондаги Еттишаҳар давлатининг асосчиси. 1877 йили заҳарланиб ўлдирилган. Асли Пскентлик бўлган. Синглиси Нормухаммад парвоначига эрга теккан эди.

²⁹³² Бошқа ёзув билан ёзилган: “Яқуббек бирла юрмиш Назармуҳаммад *ясовул* нақл қиладур: - Ўн уч минг тиллоға кўлни балиғини сотиб эди, - ўрислар кўлни ўзини сотиб олғонмиз, - деб, асл муҳолифат мундин пайдо бўлди, - деюр”.

Алқисса, хони замон ошифталик ҳолида Шодмон хўжа қўшбегини ўруслар жангига бешумор лашкар ила равона қилди. Шодмон хўжани иши равнақ топмай шикаст еб ёнди. Хони ғаюр аз рўйи ғазаб, Шодмон хўжа қўшбегига хотунлар либосини кийдуриб, неча калава ип ила олдига йигирмоқ учун хотунлар чархини қўйди. Бу кор-бордан Шодмон хўжа душман бўлиб сирини пинҳон тутди.

Бу ҳодисадан сўнг хони замон Қосим мингбошини жанги куффори ўрусга буюргангани баёни.

Тарих(чи)лар айтур:

Хони ғаюр ҳар чанд ўзиға тасалли берса ҳам тоқати-тоқ бўлуб бу *амир лашкар* //63^б идин шикаят қилур эди. Бу ҳолдан Қосим мингбошини ғайрати жўшга кириб, хони замонни дилини таскин бермоқ учун нечанд жойда таъзимини убидият еткуриб, жанги куффорни ўҳда олиб, омодаи корсози жанг бўлиб, шукухи беандоза бирла, ўн етти тўпи хоний, чанд юз милтиқи қора-қўндоқи калони султоний, начанд минг лашкари тайёри мардони номдор ила фотиҳа олиб, тавсани бодпойи бодияпаймойи роҳ навардлариға рокиб бўлуб равона бўлдилар. Неча шахр-кўл, чўлларни таййи манозил этиб, ҳазрат султони-л-орифийнға, Яссога нузул этдилар. Андин жўнаб қатъи роҳ этиб, манзили муродға етуб, бир-икки тош бери қўниб, истироҳатға машғул бўлиб, кўфтаи роҳни //64^б ўзларидан дур қилмоқ бўлдилар. Хануз тонг отғанча йўқ эди, қалъайи Оқ масжид ичидан бир мингдин зиёдтар лашкари куффор чиқиб, шабихун айлаб чунон жанги-сахт айлаб ўқға тутдики, соатида шуҳадоларни ҳисоби бўлмади. Ҳар ким саросимавор ғафлат уйқудин кўз очсалар ажал ўқи сийна ҳадафиға жойгир ўлур эди. Шул тариқа бўлса ҳам баъзи муборизони аскар, тайёрланиб, жангу набардға саъйи бешумор кўргузсалар ҳам, ғозиёни шер-шикор, далирони номдорларни кўшиши жой тутмай лашкарға парокандалик тушиб, рўйи фирор пеш келтурдилар. Ҳамма хазина-дафина аслаҳа насоралар қўлиға тушди. Сахт шикасти фоҳиш ила ёниб, Жўлакдин ўтуб, Туркистон //64^б келдилар. Қосим мингбоши орқа олдини йиғиб жўнаб, Чимкатга етдилар. Андин бўлған ва ўтган можаро, ҳодисаи ҳасрату надомат асарни кўб ажзи инкисорлик ила хони дилгирға ёзиб, ароиза ирсол қилдилар. Вақти аризалари хони замонга етиб, мутолаа қилғон сўнгида, қуш бошидан учуб таъжжублар этиб, пардаи ғайбдин нима хикматлар зухур қилғай деб сабрдин ўзга чора топмай, ўтганини марфуъ ал-қалам айлаб, нома юборди. Муборак номаси Қосим минбошиға етди, кўзига суртиб, мазмун номадин иттилоъ товиб, ўлган қалбида қайтадин жон кириб, баъд аз он озими пойтахт бўлдилар. Бу вақеъаларни мулла Али охунд тарих ёзиб ёдгор қолдирубдур. //65^а **Таърих:**

Чун ҳужуми лашкари куффор дар Турон шуйуъ,
 Ёфт хони мулки Фарғона амири номвар,
 Дода Қосимбекро к-ў буд сардори сипоҳ,
 Хилъати шоҳона аз баҳри жиҳоди дафъи шарр.
 Кард роҳи, токи ў бо фавжи лашкар шуд равон,
 Лек бар сар норасида кофирони хийлагар,
 Бозии оташ кунон дар роҳ шабихуни заданд,
 Аз ҳаросаш лашкари исломро айну-л-мафар,
 Гашта ўро дар биёбонҳояш сўйи Туркистон гурез,
 Ончунон карданд к-зи ҳамдигар эшон беҳабар,
 Омаданд он жо ба аҳволи паришону забун,
 Комий акнун сойили тарихаш ояд дар назар.
 Дар жавоби ў, гурезон рафт бишкаста вубол,
 Аҳли ислом аз «ҳужуми лашкари куффор шарр».

Иборат «ҳужуми куффори шарр» моддаи тарих воқеъ бўлубдур²⁹³³.

Бу овонда Эшонхон тўра ва Кичкинаҳон тўра ва Валихон тўралар Қошғарда хитойилар ила ғазот қилмоқда эдилар.

Алқисса, хони замон, Султони даврон баъзи ғаму кудурутни дилни ёзмоқ учун асбоби тўйни муҳаё //65^б айлаб, фарзанди аршади шахзодаи оли насаб, аъни Саййид Насриддинбекға орзу ҳавас ила чунон тўйи азими шоҳона барпо қилдики, ҳеч подшоҳни асрида мундоғ тўйни ҳеч бандани қулоғи эшитган бўлмагай. Ҳар тарафға хабари тўй кетиб, Бухоро подшоҳи, Хоразм²⁹³⁴ подшоҳи, Кўлоб²⁹³⁵ ва Ҳисор²⁹³⁶, Дарвоз²⁹³⁷, Қошғар ва Ёркент²⁹³⁸ ҳамма жойдин одам келиб, тўёна пешкашлар

²⁹³³ “Лашкари куффор” ва “Ҳисори Оқ масжид” ибораларининг ҳар бири таърих моддаси бўлиб, “жаҳон” лафзи исқотига ишора қилингани сабабли бу ерда бир минг икки юз олтмиш саккиз(1268/1851-52) ҳосил бўлади.

²⁹³⁴ Хоразм – ҳозир Ўзбекистон республикасида вилоят номи. Тарихий-жуғрофий ва маданий-сиёсий жиҳатдан турли даврда ҳар хил ҳудудларни қамраб олган.

²⁹³⁵ Тожикистонинг Хатлон вилояти маркази.

оламни тутди. Катта қазони манучехрий икки-уч юз жойда осиб, ош тайёрлаб шоҳу-гадо, бева-бечораларга ва фуқаро масокинларга нон ошни, канд-қандолат, раста ва фисталари бирла тортур эдилар. Машшотагарларни нағма саролигиға ҳамма дар ҳайрат бўлиб, кеча ва кундуз шодмонлик бўлур эди. Суратгари, соҳира кирдорлар ҳар-хил тасвиrotларни қилиб //66^б кўрсатур эдилар. Найрангбоз, бозингарлар уюнҳойи ранго-ранг айлар эдилар. Ҳар жой ва маконда шўъбада ангезлик бўлур эди. Карнай навозони йавм ул-ҳашр ва-н-нушур ва сурнайчиён, нақоразанон ва дафи дойиму-с-сурур ва қолқонбозон ва шамширбозонлар тамошойи ажиб кўрсатур эдилар. Отилғон мушак ва гулрезлар, оташбозликға инсонлар кўзи хира бўлур эди. Дорбози симбозлар ақлни лол қилур эди. Шу минволда қирқ кундин зиёда тўйу тамошалар айлаб, ҳаммани илтифоти сарупойи хусравонаси ила масрур ва шодоб этиб, баъдаху фарзанди ба жон пайвандини хатнасини қилиб ўткарди.

Баъд аз саранжоми тўй Рустамхон тўрадан бадгумон бўлиб, бадарға айлаб, Бухорога жўнатиб юборди. Бир неча замон ўтиб Рустамхон тўрани хотуни Косон хўжаларидан, соҳибжамол эди, ани хони замон ўз ақди никоҳига олиб коми дил ҳосил қилди. Иккинчи ўғли Саййид Муҳаммадбек ани батнида жойгир бўлди. Баъдаху амир Умархонни мадрасаи масжид жомесига футур етган эди, хони замон бузуб, таъмири сонийға саъй кўрсатиб ўз номиға сикка урулғон пулни сарф айлаб, иккинчи биносини қилди. **Таърих:**

Масжиди жомеъи қадимки буд,
Аз биноҳойи шаҳ Умар султон,
Буд аз бас бинойи хайр анжом.
Мойили инҳидом, хони замон,
Дида, яъни хидеви Фарғона,
Шаҳ Худоёр амири олий шон,
Аз сари нав чунон намуд бино,
Ки зи кайвон рафиътар айвон.
Дорад авсофи сакфи жидронаш,
Натвон хомаи шикаста зи жон.
//67^а Кард тақдир аз он пайи тарих,
Фикри Комий ки бувад саргардон.
«Зеби маъмура» ёфт, гуфт хирад,
Масжиди жомеи жадиди хон.

«Зеби маъмура» тарих тушгандур²⁹³⁹. Шуаройи Хўқанд нечанд тарихи дигар бойлагандурлар.

Агарчи муддаомиз хонони Фарғонани баёнидур валекин бу жойда Саййид Валихон тўрайи хўжа калон саййиди пок насаб, Махзуми аъзам(ий)дурлар ва яна Худоёрхонни учинчи фарзанди Саййид Умарбекни бобоси хонни падар аруси саййид Ғозихон тўрани отасидурлар. У жанобни вафотлариға бойланган тарихни табаррукан бу жойға дарж этмакни муносибдан холи кўрилмади.

Таърих:

Сарв қадеки сар кашид дар ин,
Боғи даҳр аз бузурги хўрд хазон,
Гашта охир ба зери хок афтод.
То Валихонки буд хўжаи калон.
//67^б Дар замона агарчи шайх монд,
Буд, иззу жоҳ табъи жавон.
Дошт турки ажал ки бар сари ў,
Тохт бигзашт аз ҳавойи жаҳон.
Тани бежони ў ки дар таҳи хок,
Хуфт, руҳаш ба суйи боғ чунон.
Чи ажаб гар шитофт Комий фикр,
Хост тарихи соли рихлати он.

²⁹³⁶ Ҳисор, Ҳисори Шодмон – араб манбаларидаги Шуман. Хонақо дарёсининг Кофарниҳонга куйилши жойида барпо этилган шаҳар.

²⁹³⁷ Дарвоз – Помирнинг ғарбий қисмидаги Обихингов, Панж ва Ванч (Панж ҳавзаси) дарёлари оралиғида жойлашган худуд маркази. Ҳозир ноҳия маркази.

²⁹³⁸ Ёрканд/Ёркент – қадимий номи Сақараўл, хитойча Шачэ — Хитойнинг Синьц-зян-Уйғур мухтор республикасидаги шаҳар, Қашқар вилоятининг Ёркент тумани маркази (1980 й.гача Қашқар вилояти маркази). Такламакон чўлининг ғарбий қисмида, Ёркентдарёнинг ўнг соҳилида, 1200 м баландликда жойлашган.

²⁹³⁹ “Зеб” сўзи ва охириги мисра таърих моддаси бўлиб, “ёфт” сўзи исқоти билан бир минг икки юз етмиш уч (1273/1856-57) сони ҳосил бўлади.

Ҳотифам гуфт, дар гузашт аз жаҳон,
«Ҳайф хўжаи калон маҳи шаъбон»²⁹⁴⁰.

Бу дамдамалардин сўнг Мирзо Аҳмади²⁹⁴¹ хез, Ҳотами бепули дурўйи беномуски, *қўшбеги* ва *фармончилик* мақомига етиб эди, хони замонни эшик олди надими маҳрами хосларига пора, ришваларни беҳад бериб, боз ваъдаи мамлу айлаб, алар хонга мирзо Аҳмадни таъриф, тавсиф қилиб, йўлга солиб, охири кор мирзо Аҳмад ҳокими Тошканд Дашти қипчоқ ила сарафроз бўлиб, озими Тошканд ўлди. Тошкандга етиб, бож-хирож гўён ҳар тарафга *саркор*, //68^a *амлоқдор*, *омиллар* юбориб Дашти қипчоқ элатийя қазоқийяларини бесаронжом қила бошлади. Баъзи вақт ўзи отланиб, Чимкат, Сарём, Туркистон, Авлиё-ота ҳадди Олма-ота бориб, кўб закотлар кўлига келтурди. Ҳар жой ва ҳар маконга бориб кўнса қозоқияларни чиройлик қизлари бўлса, бир нечаларини ҳозир айлаб кўюр эдилар. Мирзо Аҳмад лаънати, ҳароми келганда аларни хусни-жамолини кўриб, эмчакларини ушлаб, қайси марғуброқ ва зебороқ бўлса, у кеча ани бирла ҳамхоналик қилур эди. Олган закотларини, хирожини нисфи хонни хазинасига дохил бўлса, нисфини аксари пора-ришва, ямон ишларга, айшу-ишратга сарф бўлур эди.

Андак замонда тамом рўасойи аймоқияи элотияи, қазоқийяни ирки //68^b ҳамиятлари жабҳаларида зоҳир ва хувайдо ўлиб, балвойи ом ҳар жойу макондан кўзғолиб, тоғ-тоғ лашкари элотийя жамъ бўлиб, Мирзо Аҳмадни Чимкатга қамадилар. Мирзо Аҳмад жонидан умид узиб, на чора қилурини билмай ноилож хони замонга ариза юборди. Хони далер огоҳ бўлиб, оғаси Маллабек баҳодирни, аз рўйи шафқат Бухородин олдуриб келган эди, бир неча юз гала баҳодирга бир икки минг лашкари жаррорни кўшиб, Мирзо Аҳмадни маҳласи учун оғаси Маллахонни сардори лашкар этиб юборди. Маллахон икки кунлик йўлни бир кунда босиб қатъи масофат тай айлаб, Кандир давонидан ошиб, Тошканд келиб, андин ўзларини Чимкатга еткурдилар. Бу сўз истимоидан қазоқийя огоҳ бўлуб, //69^a ажзу-инкисорлик ҳадаёи билониҳоя ила Маллабек баҳодир оёғига йиқилиб тавба-тазарру қилдилар. Маллахон аларга амон бериб, Мирзо Аҳмадни ажратиб, насиҳати бешумор кўргузиб, Тошканд ёниб келдилар, андин жўнаб, дохили Фарғона бўлуб келиб, хони замонни мулозимат қилдилар.

Бу асрда: Хўқандни *мингбошилики*га Фозилбек²⁹⁴² мутаккаббир қорақалпоқи бе тадбир *дастурхончилик* мансабидан вазорат, *мингбошилик*га мақом тутган эди. Ўратефа бориб, Рустамбекга танбеҳ бермакни тарғиб айлаб лашкари азим жам этиб шон-шавкат бирла Хўжанддан ўтиб, хоҳладилар Ўратефа муҳосарасига қиём кургузсалар. Рустамбек кўрнамак ўзини Бухоро амирига солиб, Бухородан илғор ва имдод, кўмак келган //69^a эди. Фарғона кўшуни Олма бароз йўли бирла қалъа муҳосарасига юзланган эдилар. Рустамбек бухорийларни қалъага кўйуб, баҳодирони юзияни илғаб, қалъадин чиқиб, лашкари Фарғонага чунон жанги сахт, ҳарбу-зарб пеш келтурдики, кўшуни Фарғона муқовамат қилолмай рўйгардон ўлиб фирор эттилар. Аксарлари жардан қулаб ҳалок бўлдилар. Бу ҳолдан Маллахон баҳодир воқиф бўлуб, андак марди майдон ила Рустамбек олдини танго-танг тўсиб, жалодат кўрсатиб, орқасига ёндурди. Агар Маллахон бўлмаса эди, Фарғона кўшунидан бирор дона тирик қолмас эди. Алғараз шикасти азим еб паришонҳол хони замон оҳисталик бирла Фарғонага ёндилар. «Даст болойи даст» дерлар. Бу зафар тобмоғи бирла //70^a Рустамбек ўзидан кетиб, амири Бухородан ҳам қайтиб, айтур эди, – «Мени номимни Рустам кўйибдурлар, Кайқубоду, Кайковус, Кайхисрав замонидаги Рустами дoston бўлса ҳам диловарлиги мендан зиёда бўлолмагай». Авлоди Хулбики(Хулика) ҳар қачон Муғни тефасига чиқсалар ўзларини ҳукмрон кўрсалар ўзларини йўқотиб лоф-қоф уруб, гоҳ Хўқандга, гоҳ Бухорога ўзларини тенглаб, саркашлик этиб, ёв бўлиб жанги-жадаллар айлаб, беҳуда ноҳақ қонлар тўкилмоғига сабаб ўлурлар. Оз замонда амири Бухородан жазосин тофди.

Воқеаи замони Маллахон баҳодир будур. Маллахони ғаюрни димоғида хон бўлмак орзуси доим бор эди. Мулла Алимқули қирғиз-қипчоқ Марғинонда раисға гиранда бўлиб, гоҳи таҳсили илм

²⁹⁴⁰ Охирги мисралар таърих моддаси бўлиб, “жоҳ” лафзининг исқоти билан бир минг икки юз етмиш уч (1273/1857) ҳосил бўлади. Шу йили шаъбон ойи 4 апрелда кирган.

²⁹⁴¹ Мирзо Аҳмад қўшбеги – 1829 йили оламга келган ва 1895 йилдан кейин вафот этган. Қурама (1853), Тошканд ва Дашти қипчоқ (1854 феврал–1858 ёзигача) волийси. Мингбоши унвонида 1862-1863 йиллари Худоёрхон кўшинини бошқарган. Хўжанд (1863) ва Тошканд (1864), Марғинон (1865) ҳокими бўлган. Уни ёзган аризаси кўра Чимкент, Сайрам ва Авлиё отада ободончилик ишларини олиб борган. Мерки ва Исфарада янги ариқлар қаздирган. Ит кечув, Манар, Карбаткан, Қизил жайли, таш, Жулак, Чаҳордара ва Чинозда истехком ва қалъалар қурдирган. Кейинчалик 12 минглик кўшин билан Шарқий Туркистондаги Яъқуббек давлатида хизматга кетган. 1878 йилдан Тошкентдаги Ўқчи маҳалласида яшаган. Қаранг: Набиев Р. Н. Вакфное хозяйство Кокандского ханства. – Ташкент, 2010. – С. 86-88.

²⁹⁴² Фозилбек понсадбоши (ваф. 1857 й.) – Арслонбек қарақалпоқнинг ўғли. 1857 йили дастурхончи бўлган. Унинг ўғли Зулфиқорбек 1874-1875 йй. Худоёрхон хизматида бўлган.

//70^б айлаб юрур эди. Отаси бир утарчи нотаин одам эди. Хийла шум, шужоъатлик чакқон эди. *Гирандаликни* ташлаб Маллахонга келиб *мирохурлиғни*, яъни отбоқар бўлди. Оз вақтда Маллахонга сирдон, махрами хос бўлиб, баъдаху Маллахондан Кулшага ва Ўзганд тарафиға қифчоқ ва элотийларни бийлариға сўзлар элтиб ваъда ваъидни бир жойға қўйиб бир кун фурсатни ғанимат товиб, Маллахон бир неча муқарраб одамларини ҳамроҳ олиб саманди тезрафтори барққирдориға рокиб бўлиб, қатъи манозиллар айлаб, ўзларини Ўшға етқуриб, андин Кулшаға Алимбий ибни Ҳасан бий ибни Шоҳ Мирзо қирғизға бориб мулоқот бўлдилар. Ани жусту-жўйи бирла акнофу атроф оламға номалар ирсол қилиб, //71^а имдод сўрадилар. Нома етиши ила мисли Саййидбек *додхоҳ*, Фўлат *додхоҳ*, Чўтан *додхоҳ*, Мулла Мурод *додхоҳ*, Девана *додхоҳ*, Қўйчи *бий*²⁹⁴³, кабоири ҳар уруғу-аймоқ хизмати остон бўси Маллахонға оз замонда лашкари билониҳоя жамъ бўлиб, даъвойи тахту-тожи Фарғона айлаб, намо-намо этиб келдилар. Укаси хони замон лашкар бирла Хўқанддан чиқуб Рошидон қасабасини «Самончи» ном доштида муқобил бўлиб, набард озмолиғ қилдилар. Насими нусрат ва зафар Маллахон юзиға варзида айлаб, ғубори идбори Худоёрхон қўшуни юзиға уриб фирор айлаб келиб, шаҳарға беркилиб дару дарбанди дарвозаи шаҳарни беркитиб қамалдорлиғ қилдилар. Кундин-кун равнақи Маллахон зиёдтар бўлуб, //71^б охируламр Худоёрхон андак нафар одам ила шаҳарни бир тарафини чиқиб роҳи Бухорони пеш олди. Маллахон баҳодир пойтахти Хўқандга мутасарриф бўлиб, тахти сарирга ўлтуриб, тожи-шоҳи бошиға қўйиб, тилло ва нуқрони ўз номига сиккасини урдуриб, хутбани ўз номиға ўкутуб, жаҳонбонлик қилди. Халадаллоҳу мулкаҳу ва би султонаҳу. Шуаройи Хўқанд дебдурлар. **Назм:**

Гар набуди назми Фирдавсий, чи донисти касе,
 Базми Кайковусу Рустаму Исфандиёр.
 Гашт аз назми Низомий, номи Баҳром баланд,
 Шуд зи шеъри Анварий авсофи Санжар ошкор.
 Баъд аз он дар инқазойи вақт Аттори хазин,
 Васфи шоҳони Хўқандро ба нашри эътибор.
 Шарҳ бинмудам зи авлоди шоҳии Бобурий,
 Сохтам, таҳрир кардам, чунки монад ёдгор.
 Исми зоташро бигўям, чунки донад ҳар касе,
 Иззи алқоби самунаш Маллахони номдор.
 [Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони бўлмаганда,
 Кайковус базми, Рустам, Исфандиёр размини ким биларди.
 Низомий назмидан Баҳром номи овоза бўлди,
 Анварий шеъридан Санжар васфи оламга таралди.
 Ундан сўнг замон тақозаси билан мунгли Аттор,
 Хўқанд шоҳлари васфини насрда ёйди.
 Шоҳ Бобурий авлоди насабини шарҳладим,
 Ёдгор бўлсин деб уларни ёздим.
 Исми зотини айтсам, ҳар бир одам билади,
 Мақтов иззатли исми эрур атоқли Маллахон].

//72^а Маллахон саранжомии шаҳардин фориг бўлиб, инони азиматини Тошкандга маътуф айлаб дохил ўлиб, Шодмон хўжа *қўшбеғини* Тошкандга ҳоким айлаб, Рустамбек²⁹⁴⁴ *додхоҳ* ибни Қозоқбой *оқсоқолни* ва Нормухаммад²⁹⁴⁵ *қўшбеғини* қалъаларни тузатиб, шикасту рехтларини ростлаб, вақт топсалар куффорларға даст бурди кўрсатмоқлари учун, бир неча минг лашкари жаррор била роҳи қилди.

У замонда насоро Шамайға келиб қалъа солиб, гоҳи, Олма-отаға дастдарозлик айлар эди. Алардин сўнгра ҳазбари замон Қаноъатшоҳ *қўшбеғи* ва *фармончига* Дашти қипчоқ, тамоми улусни ҳокимлиғини бериб равона қилди. Бу орада Ўратефа ҳокими Рустамбекни амири Бухоро келиб қатлға етқурди. Бу замонда Абдулғаффорбеки муфсид Новда эди амири Бухоро ани йўхлаб, //72^б Ўратефаға ҳоким қилиб ёнди. Амири кабир Маллахон бу хабар истимоидан огоҳ ўлуб, ғайрати ҳамият домангир ўлуб, озими Ўратефа бўлди. Абдулғаффорбек ҳам эшитиб, амири Бухороға аризадошт қилғонида, Иброҳим Хаёл манғитни уч-тўрт минг Бухоро қўшуни ила Абдуғаффорбек мададиға юборди. Фарғона қўшуни уч ой қарийб муҳосара қилдилар, неча бор тўплаб, қалъаға

²⁹⁴³ Қўйчи додхоҳ қирғиз (1867 йилда ўлдирилган) – қўшбеғи.

²⁹⁴⁴ Рустамбек додхоҳ Қозоқбой ўғли – Туркистон (1858-1859), Тошкент (1859-1860, тўққиз ой), Туркистон (1861) ҳокими. 1862 йили дастурхончи бўлган.

²⁹⁴⁵ Нормухаммад – қипчоқ қабиласидан. 1845 йилдан Қурама ҳокими. 1848-1852 йиллари қўшбеғи унвонида Тошканд ҳокими бўлган. Мусулмонқулининг ашаддий душмани. 1864 йили август ойида ҳалок бўлган.

югурдилар, фатҳи боб бўлмайд ёнмоқни муносиб кўриб, бир манзил орқалариға ёндилар. Иброҳим Хаёл манғит бирла Абдулғаффорбек қалъадан чиқиб, лашкари ила Фарғона қўшунини орқаларидан эргашдилар. Бу хабар амир Маллахон баҳодирға етиб ғайрати туғён қилиб мулла Олимқули²⁹⁴⁶ *эшик оғаси*²⁹⁴⁷ Марғинон ҳокими эди, фармойиши олий судур товиб, //73^a мулла Олимкул бир неча минг марди жанги бирла келганча ўзини уруб, димори рўзғори манғит ва юзийялардин чиқарди. Муни жангиға малак дар боми фалак аҳсану офарин ўқуди. Аҳли сипоҳи нусрат шиъор, қадами саботни пойдор айлаб, кашокаш этиб, шамширларини душманлар қони бирла суғориб, лолагун этдилар. Бу жангға тоби тоқат келтуролмай қочиб борғанларича бир ўзлари кириб дари-дарбандни маҳкам беркитиб, жон сақладилар, аксарлари қатлға етиб, баъзи қочқонлар олди Самарқанд борди, охири Жиззах етдилар. Маллахон баҳодир беш-олти юз Бухорий номворларидан асир олиб, фирузлик бирла ёниб, бир неча кун Хўжандда дами осойиш айлаб, баъда роҳи доҳили пойтахт бўлдилар.

Аммо қачонки қочқунчилар Самарқандда амир Музаффар²⁹⁴⁸ хон //73^b олдиға бориб, кўргон можараларини тақрир этиб, Маллахон иккинчи маротаба келса, ҳамма иш душвор ўлғай, дедилар. Амири Бухоро дилгир ўлуб Абдулғаффорбек бирла Иброҳим Хаёлни Шеробод бирла Чоржўйга юбориб, ўрниға Баротбекни ҳоким айлади. Баротбек келиб кўрдики, Ўратефа қалъаси хароб, ҳеч ким қалъадин бош чиқара олмас, ҳайрон бўлуб, қалъа истехкомиға кўшиши этди. Бу вақтда акобирони юзийя, қалъа аҳли келиб дедилар: – Эй амир, уч ишни бирини ихтиёр қилғил, бири буки, бизлар деҳқонлармиз, иш ва тирикчилигимиз саҳро бирладур, «зимонини» хазинадин бергил, иккинчи ўхдаи Маллахонни ўз гарданинға олғил, ёки учинчи маслаҳатни қабул айлаб, Маллахонға итоат қилғил, Маллахон баҳодирни келур вақти яқиндур. //74^a Ани отған тўфи ўқини зарбидан неча жойда ердан булоқлар чикди, тўфанларини сабоси ҳануз қулоғимиздан кетгани йўқ. Алвақт дилларимиз ларзададур, муковамат қилмоққа ҳолимиз забун, ҳеч кимда ҳадди ёро бўлмағай, ҳам ҳалок ва хароб бўлиб, вуболиға қолурсен, – дедилар. Бу суруш истимоидан Баротбек, авлоди Хубика, хобби ғафлатдин бедор бўлиб, итоатдан ўзга илож-чора дилфазир ўлмайд тортуқу пешкаш ила арзи бандалик равона қилди.

Бу воқеа амири Бухоро бирла ороға ошнолик анжом топганини деюр.

Шаҳрисабз ҳокими Бобобек *фармончи*, Китоб ҳокими саркардаси Жўрабек *додхоҳ*дан амир Музаффар озурдахотир бўлиб, Шаҳрисабз узасига отланди. Бу хабари муваҳхашдан Бобобек *фармончи* Жўра //74^b бек *додхоҳ*лар ваҳму харос айлаб, на чора қилурин билмай, охири кор, ўзларини амири кабири шужоат осор, аъни ба номи Маллахон баҳодир паноҳиға солиб, аризадошт қилдилар. Нома етиши бирла Маллахон Ўратефа ҳокими Баротбекға қўшуб, Ўтаббой *қўшибеги*, Бойниёз *додхоҳ*ға амр қилди: - Сизлар Самарқанд етиб, дашти Шероз бориб, то ҳадди қалъайи Саъд Ваққосғача тозбоз қилғайсизлар, - деб, баъд аз он ўзи аркони давлат, шони-шавкат лашкари гардун мадор, жангжўйлари ила бо саъди соот, аёғини рикобға қўйиб, кўх пайкарларға рокиб бўлиб, роҳи бўлди. Аммо амири Бухоро бу тарика хабари шўрангезни эшитуб, Шаҳрисабз муҳосарасидан қўл йиғиб, лашкари бекарон бирла, 92 туман Бухоро қўшуни бирла Самарқандга етди.

//75^a Бобоҳўжа эшон *шайхулислом*²⁹⁴⁹ ни элчи айлаб, номаи меҳрангезни тайёрлаб, хузури амири кабир Маллахонга жўнатди. Мазмуни нома бу эди: «Бухорони бир неча авбош бебошлари бирла Шаҳрисабз беклари қўшулиб, Бухоро давлатиға халаллар еткуруб, бетинчликға сабаб бўлдилар, бу важҳдан аларға танбеҳ бермоқ учун отланған эдим. Аммо сиз биродарим Маллахон баҳодирни қадами майманат лузумингиз масмуъ бўлиб, то Самарқанд пешвоз келдим. Ага муродингиз жанг эса, Диззах сари келинг, мен ҳам бориб, набард озмолиғ қилурмиз. Муроддихандайи оламиён кимға комбахш қилғай кўргаймиз. Агар сулҳ йўлини савобдид кўрсангиз, ота-боболаримиздан буён, Оқбулоқдан ул ёни сизларға бу ёни бизға, таъаллуқ товиб, аҳду-паймон бўлиб //75^b дур, қаноъат айлаб, рози ўлғаймиз, – нома тамом вассалом».

Амири кабир Маллахони шарият шиъор Хўжанд келиб турғон эди. Элчи етиб, номани тутди. Баъд аз мутолааи нома, ба машворати вузаройи киром сулҳни пеша айлаб, деди: – Эй зоти бобаракот, мени биродаримға гина-кудуратим йўқдур, жаддларимиз қилғон аҳдларига розиман. Аммо мани мунда номусу нанги подшоҳи домангир бўлуб, бе ихтиёр келтурубдур. Эмди биродаримдан умид

²⁹⁴⁶ Олимбек додхоҳ – 1862 йили май ойи ўрталарида ўлдирилган. Ҳасанбий ибн Шохмирзонинг ўғли. Олой қирғизларидан барғи ёки мундуз уруғидан. Қирғизларнинг манкуш уруғидан бўлган Қурбонжон додхоҳнинг эри. Маллабекнинг қотилларидан бири.

²⁹⁴⁷ Эшик оғаси – сарой маҳрамларининг болиғи.

²⁹⁴⁸ Амир Музаффар (сафар ойи чоршанба куни 1242/ сентябр 1826 – 1 сафар 1303/9 ноябр 1885 йил). Бухоро амири (1860-1885).

²⁹⁴⁹ Шайхулислом – мусулмон жамоасининг бошлиғи. Саййид ва хўжаларан таинланган.

шулки, гуноҳкорларни гуноҳини авф қилмоқ подшоҳлар хислатидур. Мени ҳурматимдан гуноҳкорлар гуноҳини авф қилурлар, яъни Бобобек бирла Жўрабек хунини мени учун хадр қилғойлар, - деб, сузни тамом айлаб, Бобоҳўжа Эшон, амир Музаффар тарафидан дар ўҳда олиб, янгидан ошти, аҳди-паймон бойлаб, ҳар икки //76^a подшоҳ тарафидан ўз мақри дору-с-салтанатлариға ёниб, фароғат ёстуғиға бошларин кўйдилар.

Баъзи кўрнамакларни одатидур, вукуъ топғай. Воқеа шўрангези будур: Маллахони шарият шиорни озроқ мизожи тез бўлиб сипоҳни забт қилур эди. Аммо фуқаро ва масокинға шафқати зиёда, зулм таъадди йўқ эди, раъиятнавоз, адолатли подшоҳ эди. Баъзи вақт вазирлариға дурушт сўзлар дер эди. Бу сабабдин бу овони неку анжомда Олимбий²⁹⁵⁰ қирғиз *фармончи*, Хидир²⁹⁵¹ *бий эшик оғаси*, Шодмон хўжа *фармончи*, Худайназар *додхоҳ* турк, Дўстмуҳаммад *меҳтар*²⁹⁵² йуз ва Муҳаммадиброҳим *мирзабоши*²⁹⁵³ Косоний (ва) ғайруҳум ўн етти киши кўрнамак бадфеъл, аблаҳони доношуморлар бир жойға жамъ бўлиб маслаҳатға //76^b қарор бериб, бир неча нисфи шаб эди, жойи хобиға босиб кириб, ноз хобида, тири бедариғ бирла раҳм қилмай ўз валинеъматларини шаҳид қилдилар. Сана 1270 бисту панжум (25) моҳи шаъбон²⁹⁵⁴ эди. Эртаси дами субҳи содиқ, жамий уламо ва фузало Хўқандни йиғиб, ул шуҳадонинг бахтини шаҳиди аълоға ҳукм этиб, таъзия тутиб отаси Шермуҳаммадалихонни қабриға мадфун қилдилар. Замони ҳукумати уч ярим йил эди, ўттуз ёшида шаҳид ўлди. «Албатта биз Аллоҳ нинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз»²⁹⁵⁵.

Мулла Алимқули иттифокда бўлса ҳам бу кеча ўзини гўшаға олиб, бадномликдан ижтиноб қилғон эди. Ушбу кун бе таахир Шоҳ Муродхон ибн Саримсоқхон *амир лашкар* шаҳидни хон кўтариб, муборакбодид қилдилар. //77^a Буларни бунда кўйиб, эмди воқеъоти Худоётхони валиғмидан эшитмоқ керак. Бу хабари жонсўз атрофи оламға интишор товиб, Худоёрхон валиғмиға етди. Оҳи сард тортуб, намак ҳароми бағийлардин интиқом олмоққа камари ҳиммати шужоъатни белиға бойлаб, Жиззах мавзеидан хуруж айлаб, ба тарафи Тошканд роҳи бўлди. Қаноатшоҳ *фармончи*, Тошканд ҳокими шу замонда ҳазрати Султонки, Туркистон дерлар, ҳазрати хўжа Аҳмад Яссавийни мақбаралари андадур, Қаноъат шоҳ анда туриб лашкари насорони садди роҳини тўсиб ётган эди, эшитиб, дуди талх димоғидан уруб, хабари мусибатасарға тоқати тоқ ўлуб, ўзини Худоёрхон валиғмиға ёр этиб, арзадошт айлаб, истехком корини //77^b саранжом беруб, оз фурсатда хузури Худоёрхон валиғмиға етиб, мулоқи бўлиб, камари хизматни белиға бойлади. Мулла Абдураззоқ шоирки, маддоҳони пойтахти Фарғона эди Маллахон шаҳидни вафотиға тарихлар бойлади. **Таърих:**

Чанд аз ҳамсўхбатони сагсифат,
Буд билкулл аз мусулмони баид.
Хоҳиши нафс ба иқболи жаҳон,
Дил ҳамебастанд чун габри палид.
Тарбиятҳо ёфт аз эҳсони ў,
Оқибат валинеъмати худро газид.
Бисту шашшум субҳи душанбе, барот,
Руҳи ў, чун боди бало мевазид.
Аз баройи соли фавташ аз хирад,
Ин садо дар гўши жонам мерасид.
Биталаб тарихи он рашид,
Гуй «машқи Малла Кайхусрави шаҳид»²⁹⁵⁶.

Гўши ҳуши оқилони хирадмандон мастур ўлмағайки ул золими нобакарларни муродлари гули очилди, фаҳм қилиб, //78^a мақсудлари бартараф бўлиб, Шоҳ Муродхонни оқ наमतға солиб, хон кўтариб, тахтга ўтқузуб, хотир жамъ бўлганлари баъдинда, ҳар мамлакатға чафовул юбориб, кор пардозни айлаб, ўтиргон вақтларида баногоҳ Худоёрхон валиғми Тошкандни мусаххар қилиб Қаноъат шоҳ итоат айлабдур деган хабарни англаб, дуди талх, табъи димоғи бадкеш жафоандешлардан ўралаб андак вақтда кўшуни билониҳоя ила хонларини олиб, батарафи Тошканд роҳи бўлдилар.

²⁹⁵⁰ Олимбек додхоҳ – 1862 йили май ойи ўрталарида ўлдирилган. Ҳасанбий ибн Шоҳмирзонинг ўғли. Олой қирғизларидан барғи ёки мундуз уруғидан. Қирғизларнинг манқуш уруғидан бўлган Курбонжон додхоҳнинг эри. Маллабекнинг қотилларидан бири.

²⁹⁵¹ Хидир қирғиз додхоҳ (13 май 1862 й. ўлдирилган) – қирғизларнинг ўттиз ўғул жамоасининг бошлиғи. Маллахон қатлида ишитроқ этган. Эшикоғоси, ҳидоячи, парвоначи унвонларни олиб, 1862 йили Марғинонда ҳоким бўлган. Шодмонхўжа ва Алиқули томонидан ўлдирилган.

²⁹⁵² Меҳтар – сарой амалдари. Молия ишларга мутасаддий амалдор.

²⁹⁵³ Мирзабоши – мирзалар бошлиғи.

²⁹⁵⁴ Сана 1270 25 шаъбон – 24 февраль 1862 йили Малахон ўлдирилган.

²⁹⁵⁵ Қуръони карим, 2:156.

²⁹⁵⁶ Маллахон 1862 йили 24 февраль ўлдирилди.

Мақорини бу ошон: Абдулғаффорбек юз ибн Муҳаммадраҳимбек *оталиқ* золим, Бухородин ўзини Ўратефага етқуриб, Ўтаббой *қўшбеги* ҳоким эди ани дастгир айлаб, ўз ватанига мутасарриф бўлди. Вақтики Шоҳ Муродхон Тошкандни //78^б келиб муҳосара қилди, Тошканд ичиға ғалла кирмакини манъ этиб, Тошканд суйини боши Ниёзбекдан олиниб, Чирчиқ нахридин ажралур эди, ани ташлаб, мунқатеъ қилди. Баъдаху ҳар кун қўшуни Фарғона ҳар тарафдан Тошканд қалъасига ҳамла келтурур эдилар. Мақсадлари ҳосил бўлмай, ноумид бўлиб ёнур эдилар, корлари анжом топмас эди. Сабаб буки, уламои замон зу-л-эхтиромлари Маллахон одилни шаҳид қилғонларни осийликға ҳукм қилиб, фатво қилган эдилар. Бу жиҳатдин ҳамма хуни Маллахони шаҳидни олмоққа бел бойлаган эдилар. Иккинчи, Қаноъатшоҳи тадбирдон солори лашкар эди. Ҳар жиҳатдин эҳтиётни қўлдан келганча қилиб, сипоҳлар ила қалъа халқини жангга тарғиб //79^а айлаб кўнгилларини товиб, якдил ва янжиҳат айлар эди. Муҳосара узоқға тортуб, мушкиллари ҳал бўлмади. Бу аснода, - «Худоёрхон мададиға Бухоро амири отланган эмиш», – деган овоза бўлиб, ҳайратда қолиб, бир кечада тафриқа пайдо бўлиб Хўқанд қўшуни кўчиб жўнадилар. Тайи мароҳиллар қатъ этиб, қасабайи Хўжа ягонаки қариби дор ул-аморайи Хўқанддур нузул этдилар. Бу жойда қотилони Маллахони шаҳидни миёналарига низоъ ва хусумат, муфорақат тушиб, икки фирқага мунқасим бўлдилар. Фирқаи аввал Шодмон хўжа *мингбоши*, Алимқули *амир лашкар*, Мингбой *фармончи*, Фўлод *додхоҳ* ва Чўтан *додхоҳлар* эди. Иккинчи фирқа Хидир *фармончи* ва Худайназар *фармончи* турк, Идрисқули *додхоҳ* эдилар. Ҳар икки тараф бир-бирларига дашном //79^а бериб айтур эдилар: – Мунча шумлик этиб, оламини ғарқоби меҳнатға солмоқға сизлар сабаб бўлдингиз, – дигар фирқа айтур эдилар, бу ҳамма фитнани сизлар чикориб, барпо қилдингиз, дер эдилар. Ҳосили калом Шодмон хўжа *мингбоши*, Мулла Алимқули ва Мингбой *фармончи* муттафиқ бўлуб, Шоҳмуродхон²⁹⁵⁷ бирла якзамон ўлиб, Хидир *фармончи* Худайназар *фармончи* Идрисқули *додхоҳ*ни қатлга етқурдилар, яъни ясоқға етдилар.

Мирза Бедилни байтлари бу жойга муносиб келди. **Назм:**

Рости чун сарв дар бар гир к-зи ин чорбоғ,
Туъмай гулхан бувад шоҳе ки кажсар меравад.
[Сарвдек тўғрилиқни касб эт, акс ҳолда бу боғдан,
Қийшиқ ўсган шоҳ гулханга ўтин бўлур]
Яна дебдурлар:
Ростист жойи алиф дар миёни жон,
Вов аз кажи, ҳамиша бувад дар миёни хун.
[Ростликдан алиф жойидир жон сўзи ичра,
Вов эса эгрилигидандир хун сўзин ичра]

Олимбек *фармончи* қирғиз Хўқандни муҳофизати учун қолғон //80^а эди, беш юз одами жаррорға Чўтан *додхоҳ*ни бош айлаб, буюриб, Олимбекни ҳам ясоқға етқурдилар. Баъд аз фироғи бу ҳол Шоҳмуродхон доҳили Хўқанд бўлиб, мақроғи салтанат(ға) қарор олди.

Бу хангомаларки, бу тараф бағии фасодпешалардан зухур топди, у тараф Худоёрхон валиғми корсози олоти асбобни мукамал этиб, озими Хўқанд бўлдилар. Йўлда борур эдилар Хўжандга етганда чанд фавж лашкари амири Бухоро хони замонни мадади учун келиб қўшулди. Худоёрхон валиғми лашкари зафаройин нусратқарин бирла жўнаб, Хўқанд муҳосарасига иқдом кўрсатдилар. Уламо ва фузалойи Хўқанд Маллахони шаҳиддин кейин қипчоқ, қирғизлардан кўп зулм-жавр кўрган эдилар. Фурсатни ғанимат билиб, Хўқандни шимолий тарафидан дарвазаи шаҳр //80^б ни амири беназир, яъни Худоёрхон валиғми лашкари юзига кушода айлаб, доҳили шаҳр қилдилар.

Қачонки лашкари зафар асар шаҳр ичра ўзларини олдилар, қатлу қитолга юз қўйиб, қипчоқларни дами тиғдан ўтқардилар. Бирмунча ақобирони қипчоқ, лашкари қипчоқ ила фирор этиб ўзларини нажот соҳилига етқурдилар. Аммо хонлари Шоҳ Муродхон асир бўлуб Худоёрхон кўлига тушди. Жаноби хони дарёдил аз рўйи мардоналик ва аз меҳр шафқати падароналик қилиб, жигарбанди Шоҳ Муродхонни илтифоти шоҳона ва марҳаматҳойи хисравонаси ила кўп қарамлар кўргузиб, сарафроз айлади. Яъқуббек Бухорий, амир Бухоро тарафидан муборокбодий айлаб элчи бўлиб келди. Баъд аз фироғи ҳол, Худоёрхон ўз тахтгоҳиға жулус кўргузуб, сукунат //81^а этди. Рустамбек *додхоҳ* ила Мирзо Аҳмад ҳезни фусунгорлик бирла хони содил кўп совға ҳадоёи бешумор ила Қаноъатшоҳни Яъқуббек элчига ҳамроҳ айлаб, – мани тарафимдан салому паёми миннатдорлигимни амири Бухорога етқуриб келасиз, – деб роҳи қилди. Қачонки Қаноъатшоҳ амири

²⁹⁵⁷ Шоҳмуродхон (1847-1863) – Саримсоқхон ўғли. 25 феврал-4 июн 1862 йили Кўкон хони. Алиқули фармони билан ўлдирилган.

Бухорони келиб кўрди, амири Бухоро Қаноъатшоҳни Хўқанд ёнмоқга ижозат бермай, вилояти Қаршига ҳоким айлаб юборди. Бу хабарни Худоёрхон валиғми эшитиб, ғамгин бўлиб, Қаноъатшоҳни юборғониға пушаймон бўлди.

Чор-ночор мамлакатдорлиғиға шуғл кўргузиб, биродари Сўфибек оғаси Маллахон замонида ўз ажали табиий бирла вафот топган эди, Андижон шаҳриға ҳоким бўлган эди, ани ўрни, мазкур Андижонга мулла Султон²⁹⁵⁸ *фармончи* //81^б ила Худайназар *додхоҳ эшик оғаси* тожики марди майдонни беш юздан минг одамға бош айлаб Андижонға юборди. Дўстмуҳаммад²⁹⁵⁹ *эшик оғасини* Балиқчи ҳукуматиға мансуб этди. Сулаймонхўжа эшон уламои куборни қўлларида истимолатнома ёзиб, фасодпеша аҳли бағийлар тарафиға ваъзу насихати бешумор ила юборди. Андин сўнг Марғинон шаҳриға биродари айни Султон Муродбекни ҳоким этиб равона қилди. Вақтики Сулаймон хўжа эшон аҳли бағийлар ҳузурларига етдилар, алардин муродлари ҳосил бўлмай бенили мақсуд ёндилар. Андин сўнг аҳли бағий Шодмон хўжа, мулла Олимқули *мингбоши*, Чўтанбек, Муҳаммад, Фўлод ҳамма лашкари қипчоқи жафо пешалар якдил бўлиб, Андижонга ҳужум этдилар. Андижон //82^а ҳокими Дўстумбой, Худайназар тожик, мулла Султон *фармончи сардор* Андижон шаҳридан чиқиб камин айлаб турган эдилар. Милтиқ андозларни олдиларига солиб, садди роҳи муфсидони шақоват шиёрларни тўсиб, чунон набардазмолиғ қилдиларки, нечанд аҳли фасодлар қатлга етдилар. Бир тарафдан Андижон фуқаролари кўмаки бисёр этдилар. Рўсиёи ашқиелар ноумид бўлиб, ёниб, ўзларини Асака қасабасига тортдилар. Бу нусратни хони замонга арздошт этдилар. Хони замон бу вафодорлардан беҳад хурсанд бўлиб, фароҳури ҳасби ҳол инъом-эҳсонлар юборди. Ашқиелар Асака шаҳрини ўзларига муқимгоҳ этиб ҳар тараф музофат, улус, аймақийяга нома ёзиб, элни бузиб, ўзларига мадад сўраб, ёрдамчи еткузур //82^б эдилар. 25-26 мингга издиҳомлари етиб саҳт қувват олдилар.

Ўртанча асру замон Худоёрхон валиғмини тарихлар шундай кўрсатурлар: бу воқеадин сўнг хони замон *жарчи* кўиб кўшун бисёр омода айлаб, пойтахт Хўқанддин жўнаб Марғинон бордилар. Бир неча кундин сўнгра уч даста лашкарга мунқасим бўлдилар.

Фирқай даста чап Ниёзалибек *қўшунбеги*, фирқай қалбга хони замонни ўзи бош эди, даста ростга Султон Муродбек мутасадди бўлуб, бу тариқа ҳайъат ила жўнаб дашти Якка-тутга етдилар. Шул аснода аҳли ашқие ҳам уч фирқага бўлиниб, даста чапга Кал Мингбой бир бўлак, даста ростга Шодмон хўжа, қалбга мулла Олимқули, бу тарз бирла келиб ўзларини уруб, жанги саҳт, бозуйи лаҳт кўргуздилар, //83^а гўё қиёматдан асар берур эди. Хой-хуйи далерон, оҳи нолайи нимкуштагон саҳни дашту биёбони Якка-тутда қиёсдан ташқари эди. Бу жангда Мингбой зарбига Султон Муродбек кўшуни тоқат келтуролмай ҳазимат этдилар. Султон Муродбек қочиб Хўқанд келди. Қалби сипоҳ хони замон эди Олимқул зарбига собитқадам бўлиб, неча гиреҳ бойласа, хони далер мардонавор ешуб, охир Олимқулни танг айлаб рўйигардон этиб, кўбларини қатлга еткуруб, зафар насими димоғи машомига варзида қилди.

Айтурлар ул кун хони-замон «Авлиё-қора» ном тақовари устида қипчоқларни қувиб борур эди, Олимқул қочиб боратурган вақтида Маллахон берган «Раъно-қизил» ном бодпойидин йиқилиб, оғуштаи туфроқ //83^б бўлиб, ҳануз туриб ўзини ростлаб, отига роқиб бўлганча йўқ эди, хони шужоъатпаноҳ устига етиб келди. Мулла Олимқулни хони замон кўрган эмас, танимас эди. Мулла Олимқул шошганидан қўл бойлаб салом берганда, ўз мулозимларидан гумон қилиб, (айлаб) – «отингни миниб ол» – деб ўтди. Билса асли душмани эди, бир шамшир ила икки нимта баробар айламоғи муқаррар эди. Умрини микрози паноҳ бирла узиб, тай айлаб корини тамом, саранжом қилур эди. Даста чап Ниёзали *қўшунбеги* ҳам зарби Шодмон хўжага пойдорлик этиб, сабот кўргузуб, на ўро хатар ва на ўро зафар бир-бирларидан жудо бўлиб ажрадилар. Баъд аз жанг, хони замон тажассус айлаб кўрди, ўз лашкаридан икки мингдан зиёда киши авлиёи давлат бўлиб шаҳодатга //84^а етибдурлар. Захмдорларни ҳисоби йўқдур, лашкари ашқие ўзларини муқарраргоҳлари Асакага тортдилар. Хони замон кўрди ва билди иш душвор ўлуб, соғ лашкардан беш олти юздан зиёда одам қолмабдур, кўплари фирор этган, ажаб ҳолати рўй берибдур. «Таваккалту алаллоҳ»ни ўзига пеша қилиб, аробаларни атроф кўшунга кўрғондек ихота қилиб, ҳазина-дафина, тўп-тўпхонани ярадорлар бирла ароба кўрғон ичига олуб, ўзларини хўб эҳтиёт этиб, шарти сипоҳгарликни бажо этдилар. Мерган ва сарбозларики бор эди, гирдо-гирди лашкарга қўйдилар. Ашқие гоҳ Андижон бориб, гоҳ Якка-тут келиб хони замон ила жанги набард, кўшиши бешумор айлаб ёнур эди. Сипоҳи хон ароба //84^б кўрғондин чиқмай, милтиқлаб қайтарур эдилар. Чунки жами салим саккиз юздан зиёд келмас эдилар.

²⁹⁵⁸ Мулло Султон додхоҳ (ваф. 1863) – йуз қабиласидан, охунд ва понсадбоши.

²⁹⁵⁹ Дўстмуҳаммад – 1863 йили ҳалок бўлган. Қароқалпоқлардан.

Буларни мунда қўйиб сўзни Султон Муродбекдан эшитинг: бу жангдан қочқонча ўзини Хўқанд еткурди. Бир неча кун аморат тахтига наёбатан ўлтурди. Сўнгра оғаси Худоёрхон валиғми тарафидан хабари мутавотир эшитган баъдинда, аз рўйи нангу-номус беш-ўн минг лашкари парокандани йиғиб, Хўқанд сарбозлари, милтиқ-андийларни олдиға солиб, жўнаб Марғинон бориб кирди. Ани орқасидан мардуми Фарғона, Хўқандга бир шўрише пайдо бўлуб, ғайрат томирлари ҳаракатга кириб, бечора фуқаролар ўз ҳолларини озмуда қилолмай, сипоҳгарликни осон фаҳм қилиб, қарийб ўн минг //85^а фуқаройи талабкор жам бўлиб, машойихи кубор Миён Фазл Аҳад ва уламоийи киром, Сулаймонхўжа эшон, мухтасиб²⁹⁶⁰ и шахрни ўзларига бош этиб, «хонимизга кўмак бўлиб, ажратиб олиб келамиз» – деб, Хўқанддин чиқиб озим бўлдилар. Ба мавзеи Жўй Заркентга етиб эдилар, бу хабар лашкари ашқийларга етиб, ўн минг одам ила Шодмон хўжани хони замон рўбарўсига қўйиб, Олимқул бирла Мингбой неча минг лашкари жаррор жангчини олиб, етиб келганча ўзларини фуқароларга уруб, кушта-пушта қилдилар. Бечора фуқаролардин бирор мингга қарийб, катми адам бўлуб, баъзилар Марғинонга кириб, баъзилар ҳар қаю қишлоқларга қочиб, паноҳ этдилар. 3-4 юзлари асир бўлуб, лашкари ашқий бу зафар ила фахрланиб ёлғондан //85^б кўтарган Шохруҳхон номлик етимча хонлари назаридан асирларини ўткардилар. Шулар тарз жанглари то муддати уч ойга етди. Лашкари ашқий гоҳи Марғинон бориб, Султон Муродбек бирла ҳарбу-зарб айлаб, дастбурди кўрсатур эдилар, Султон Муродбек қалъа устидан милтиқға тутуб қайтарур эди. Аксар жанглари хони замон ила бўлиб лашкари қипчоқ шери жангаллар найзаларини ароба қўрғонга келиб санчар эдилар. Хайри Муҳаммад *ёвар* афғон сарбозлари ила ароба тагидин милтиқға тутуб ёндурур эди. Аксари қипчоқ бачча шери мардлар парвойи ўқ қилмай аробаларни тақимларига олиб судраб қочур эдилар. Хони замонни лашкари очликдан беҳад танг бўлган //86^а эдилар. Ҳар кеча саҳроларда ўрулган буғдойларни келтуруб, кўмоч айлаб, ўтга пишириб ер эдилар. Ҳар куни бу тариқа жанги жадал устида оз-оз ароба қўрғонларини силжитиб Қува сари тортур эдилар. Лашкари ашқий султон Муродбек бирла хони замонни Андижон лашкарини бир-бирларидан хабар олдурғали қўймай ҳар учларини бир-бирларига қўшмас эди. Уч тараф бир-бирларига мададлари етмай танго-танг муҳосара бўлган эдилар. Гоҳи хони замон дилгир, шужоъати домангир ўлуб, ароба қўрғондан чиқиб, муқовамат бўлай деса, Ниёзали *қўшунбеги* ила бир неча давлатхоҳ жон сипорлари манъ айлаб, илтижо этуб қўймас эдилар. Хони замонни хотираси //86^б учун гоҳо Ниёзали *қўшунбеги*, Камол *понсад* икки-уч юз марди жанг бирла ароба қўрғондан чиқиб, қипчоқлар бирла от солишиб, найзалашиб қайтур эдилар.

Бир кун акобирони қипчоқ бир жойга жамъ бўлиб, машварат айлаб, дедилар, –ишларимиз ривож топмай, меҳнатларимиз ўрун тутмай зойеъ кетди. Эмди лозимдурки ўзимизни дору-с-салтанат Хўқандга олсоқ, алҳол пойтахт бесоҳибдур яроғ аслаҳаларни мукамал этиб, Хўқандда қолғон тўп ва милтиқларни қўлга келтуруб, ба дурустии тамом келиб, хонни жавобини бергаймиз, – деб, бу кенгашни ўзларига масмум этиб бир кечада ғойиб булиб келдилар.

Тонг рўзга мубаддал бўлиб лашкари хон кўрдилар, //87^а қипчоқлардан асар йўқ, тажассуси бешумордин сўнг билдилар лашкари ашқий ба тарафи Хўқанд роҳи бўлибдурлар. Хони замон ҳам отланиб, ба тарафи Марғинон юриш қилди, биродари Султон Муродбек ҳам хабар топиб, Марғинондан чиқиб оғаси убудиятини бажо айлаб, доҳили Марғинон бўлдилар. Мулла Султон *сардор* ва Дўстмуҳаммад *фармончи* Андижондан етиб хонни мулозамат қилдилар. Бир неча кун даму осойишдан сўнгра хони замон акобирони қўшунни жамъ айлаб деди, «Эй марди шер афканлар! Мени учун кўп жойда бош бериб, бош кестиларингиз, Фарғона мардумларидан ризодурман, эмди хоҳларменки, қўлларингизни жангдан йиғиб, хунолуд шамширингизни ғилофига солиб, осойиш йўлини тутқайсизлар. //87^б Мендин ҳам баҳил бўлиб рухсат бергайсизлар, иродаи Байтуллоҳ айлаб, бош олиб кетсам, Фарғона аҳли тинчлик топсалар», – демаки бирла акобирони лашкардан ғирев кўтарилиб, дедилар: – Жаҳонпаноҳо! Бу қандок фироқ сўзиким эшитурмиз ҳеч оқил тортган меҳнат ва машаққатини зойеъ этиб райгон қўлдан берурму?! Фарғона мардумини ихлос ақидасини билурмиз, молу-жонларини бу вақтгача жаноб олийдан дариг тутмадилар, бундин буён ҳам то рамақи жонларимиз бор остонбўсликдин ажрамай, хизмат камарини белимиздин ешмай, жонсипорлик қилурмиз, эмди иш осон ўлуб равнақ ва зафар бизлар тарафға бўлғай, чунки ашқийи муфсид ва

²⁹⁶⁰ Мухтасиб – ўрта аср мусулмон давлатларида ислом маросимлари, урф-одатлари ва шариат қонунларининг бажарилиши, одамларнинг жамоат жойларида юриш-туриши устидан назорат қилувчи амалдор. Шариат тизимига хос мансабдор шахслар тоифасига кирган. Ўрта Осиёда улар раис деб аталган. Мухтасиблар бозорлардаги нарх-наво ва ўлчов асбобларининг тўғрилиги устидан назорат қилиш, урф-одатларнинг бажарилишини кузатиш, диний вазифаларини бажармаган кишиларни жазолашга ҳукм чиқариш кабилар билан шуғулланган. Бухоро амирлигида мухтасиб шайх ул-ислом ва муфтийдан кейин учинчи мансаб ҳисобланган.

бағилар дору-с-салтанатга кирубдур //88^a лар. Мардоналик бирла ўзлариға борурмиз, кўргаймиз муроддихандаи оламиён кимни муродини берғай, ишонурмизки, ичкаридин шаҳар халқи бўлуб, ташқаридин бизлар бўлуб, бу нобакорларни орадин кўртарғаймиз, ҳар на беадаблик қилғон бўлсалар, иншооллоҳ жазоларини топғайлар, – деб, ба сидқи дил аҳду паймон бойлаб, баъд аз он омодаи жанг бўлиб, бо саъди-соат отланиб, батарафи Хўқанд роҳи бўлдилар.

Бу гуруҳ гоҳ тақовар айлаб, тезу тунд ўзларини дор ул-аморага етқуриб, келур эдилар, бу тараф лашқари ашқийё воқиф бўлиб алар ҳам бодпойи тез хиромларига ўзларини олиб, Хўқанд тўпларини судраб, Мўйи муборак дарвозасидан нисфлари чиқиб, нисфлари шаҳардан чиқғонлари йўқ эди, лашқари Худоёрхон //88^b валиғми пеш жанг мулла Султон *сардор* етиб, ўзларини уриб, жанги азим бунёд этдилар.

Бозуи шермардонларга малакони фалак аҳсану офарин ўқудилар. Баъзи кипчоқлар ҳануз шаҳарда эдилар, аларни фуқаройи Хўқанд ғишту тош, тўқмоқлар ила уриб, ўлдуруб юбордилар. Шодмон хўжа ила мулла Олимқули кўрди, кор илкдин кетди, Хўқанддан қўлларига кирган ҳар нарсаларни ташлаб, ўзларини сабук этиб, жонларини қутилишини ғанимат билиб, юз ҳасрату надомат ила фирор этдилар. Хони замон зафар ва нусрат товиб, ўз салтанатгоҳида барқарор бўлди. Ақобирони ашқийё ўзларини боз Асака мавзеига етқуриб, Шодмон хўжани Тошканд тарафига, Фўлодни Сўх ва Косон тарафига, //89^a Ўзганд тарафига, Бекмуҳаммад²⁹⁶¹ни Ўш-Олой тарафига, Мингбойни Наманган ва Чатқол тарафига, Саййидбек²⁹⁶²ни Исфара, Чорку тарафига юбориб, мулла Олимқули қайда улуси элотийя бўлса ваъдаи ваид ила чунон иғво айлаб оламни фасодга тўлдурдиким, ёзмоқға қалам тили ожизлик қилғай. Хони замон Ниёзали *фармончи*, мулла Султон *сардор*, Дўстмуҳаммад *эшик огаси*, Рустамбек *додхоҳ* – домоди султон Маҳмудхон тўра, укаси Султон Муродбекни, Муҳаммадназарбек *фармончини* фитна олдини тўсиб, ҳар тарафга юбориб, мадофаа қилса ҳам, аҳли бағий фасодпешаларга танбеҳ берса ҳам, таскин бермоқ асло мумкин ўлмай, лашқари ашқийё тобора жамъ бўлуб, ҳаддин оша, андозадин тоша издиҳом олди. Бу лашқарни улүфаларини ҳар шаҳрни бориб талон ва торож айлаб, фуқаро //89^a ларидан хоҳ-нохоҳ жавру-ситами ила ундуруб, сарф қилур эдилар. Ақобирони ашқийё жамъ бўлиб машварат айлаб, дедилар эмди бу ноасл талбис хонимиз бирла иш анжом топмас, бир покизана саб шаҳзода топиб хон кўтарғаймиз. Қаландарбек ибн Муҳаммадалихони шаҳид Хоразмдадур, Шоҳ Муродхон ва Содикбек ибн Бекўғлибек Худоёрхон ҳузуридадур, Султон Саййидбек ибн Маллахони шаҳид ва Назирбек, Муродбек, Абдулғаффорбек ибн Сўфибеклар ҳам Худоёрхон олдидадур нечук қилурмиз, – деб, маслаҳати тамом бирла бир қосидни топиб, Султон Маҳмудхон тўрага мултамаси беҳад бирла зимдан нома ёзиб ҳамма ақобирони ашқийё муҳр босиб, жўнатдилар. Қосид етиб номани берди, Султон //90^a Маҳмудхон фасодпешаларни иғвосига кириб, бевофолик пардасини юзига ниқоб айлаб, Султон Саййидбек ибн Маллахони шаҳидни, синни соли тўққуз ёшида, норасида гўдак бола эди, бир кечада ўғурлаб, ақобирони жафопешалар ҳузурига етқурди, баъда талбис хонларини қатлга етқуриб Султон Саййидбекни хон кўтардилар. Андин сўнг Андижон муҳосарасига иқдом кўргуздилар. Андижонда Холназар тожик, Камол *махрам*, Дўстумбой шаҳарни эҳтиёт қилиб неча ойлар жангу фархошлар айлаб, охируламр шаҳид бўлиб, Андижон аҳли шақоватлар қўлига ўтди. Андин сўнг Наманган, Косон, Исфараларни таҳти-тасарруфларига киргуздилар. Мирзо Аҳмади хез, кўрнамак, ҳаромий бирла Мулла Султон *сардорни амири лашқар* //90^b этиб хони замон Марғинонга қўйғон эди. Мулла Олимқулдин Мирзо Аҳмадга махфий нома келди. Мирзо Аҳмади хез қосидга айтди: Агар мулла Олимқул *эшик огаси* Марғинон устига келиб мени бирла аҳду омон бойласа, сўнгра муродини ҳар гиреҳлари бўлса, мени бирла очилур, – деб, ул қосидни ёндурди.

Бу хабар истимоидин сўнг ақобирони ашқийё Марғинон муҳосарасига мутаважжих бўлдилар. Вақти миод Мирзо Аҳмад, Яъқуббек ила мувофиқияти зиёда эди, бу иикиси қамту дарвозаи Марғинонни нисфи шабда махфий очиб чиқдилар, у тарафдан Шодмон хўжа ила Мулла Олимқули ва Султон Маҳмудхон тўра ила келиб, бир-бирлари ила мулоқот бўлиб, Мирзо Аҳмади хезни бир қизини Султон Саййид²⁹⁶³ хонға номзод айлаб, бир қизини Шермуҳаммад²⁹⁶⁴ //91^a мирзо ибн Мулла

²⁹⁶¹ Бекмуҳаммад додхоҳ – шаъбон ойи 1282/20 декабр-18 январ 1866 йили вафот этган. Қипчоқларнинг етти кашқа уруғидан. Муҳаммадназар Кўрўғли ибн Санжар баҳодирнинг бобоси, Холмуҳаммад додхоҳнинг отаси. Шаҳрихон (1842-1852), Чуст (1860-1861), Андижон (1865) ҳокими. Бир муддат Қўқонда хон бўлган Худрийқулининг мингбошиси бўлган (июн 1865). Худоёрхон учинчи марта тахтга чиққанида (июл 1865) 3-4 минг қирғиз ва кипчоқлар билан Шарқий туркистонга кетган.

²⁹⁶² Саййидбек додхоҳ – қирғизларнинг кесик ва таит уруғидан. 1859 йили Хўжанд ҳокими бўлган. Аилқули даврида қўшбеги уновнини олиб Исфара ва Усмонида ҳоким бўлган (1863). 1865 йили шарқий Туркистонга кетгани маълум.

²⁹⁶³ Султон Саййид хон – Султон Саййид Муҳаммад (1847 ёки 1852 -1868-69) номигина 1863-1865 (май)гача Қўқон хони.

²⁹⁶⁴ Мулло Шермуҳаммад мирзо – 1902 йилдан кейин вафот этган. Алиқулининг ўғли. Отаси ҳалокатидан кейин Қошғарга кетган. Понсад уновнида Яъқуббек Бадавлат ҳузурида хизмат қилган. 1877 йили Яъқуббек вафотидан кейин Қошғар шаҳрини бошқарган ва амири лашқар уновнида Хитойга қарши курашган.

Олимқулиға фотиҳа ўқуб, Каломи шарифи раббоний қўллариға олиб, кўкраклариға уруб, қасами муғаллаз ичиб, Мирзо Аҳмад деди: – эй баланд иқболлар, алон (ҳозир) мен сизларға қўшулғоним дуруст бўлмағой, авали шулки мени фарзанд – бола чақам Хўқондда, ани Худоёрхон нобуд қилмасун, иккинчи Худоёрхон олдида туриб, кори хайрияти бўлса аксиға тарғиб ва далолат қилурман, юз минг лашкар бирла ташқаридан вуқуъға кетура олмассизлар, учинчи Мулла Султон *сардор*ни сизу биз бўлиб корини бартараф қилғоймиз, Ҳожи Аҳмад ном Андижоний ҳам сизларға ёр бўлуб, Андижонни ани тадбири бирла олдиларингиз. Ҳожи Аҳмадни менга қаробати бор, мени хоҳишим ила сизларға раҳнамунлиғ қилди, сабаби //91^б буки хонни укаси Султон Муродбек бирла мени орамда хусумоти куллий воқеъ бўлғон. Укасини хотирасидан хон мени кўздан ташлағай, ё зарари куллий менга еткурғай, балки ўлдурғой, бу сабабдин сизлар бирла топишиб аҳди-амон қилдим, боядки мени кадримни билғайсизлар», – деб тарқашдилар. Алқисса, алассабоҳ овози табли жангни ҳар тарафдан садоға келтуруб, шаҳри Марғинонға югурдилар. Шаҳардан шери мард Мулла Султон *сардор*, Хайри Муҳаммад афғон шужоъат шиорини пеша этиб, лашкари ашқиёға сафил устидан жавоби бо савоблар бериб, ўқға тутиб ёндурур эдилар. Аммо Мирзо Аҳмад ўзини беморликға солиб, кеча бўлса айш-ишратға машғуллик қилур эди.

Алҳосил муҳосараи Марғинон кўб узок тортди. //92^а Бир кун мувофиқи тақдир, Хайри Муҳаммад сарбозлариға низом кўрсатиб қалъа дарвозасидан чиқиб, душманға рў-барў бўлуб жанг қила-қила даражаи шаҳодатға етди. Бир мунча замондин сўнг Мулла Султон *қўшбеги* қалъадан чиқиб, бир каф туфроқни қўйниға солиб, Мирзо Аҳмадга қараб деди: – эй номард билгил ва огоҳ бўлғил, бу кун подшоҳим амири кабир Саййид Муҳаммад Худоёрхон гардун сарирни берган тузини ҳалол қиладургон кунимдур. Ё Олимкул умрини тай айлаб оламини ғубордан мусаффо қилурман ё ул мени нобуд этиб, баъд аз он хонни давлатиға завол берғай, – деб ўзиға қарашли мубориза марди майдонларни ҳамроҳ олиб, Олимкулни туғ-байроғини мўлжалға олиб, ўзини уруб, кушта-пушта кўтаруб, //92^б чунон ҳангомаи булажаб, маҳшарасар пеш келтуриб, сафу суфуфи Олимқулини барҳам беруб, аламини сарнагун айлаб, Олимкулға ўзини еткуруб эди. Олимкул рўбарў бўлмоқға тоқати бардошт қилолмай, олдиға тушуб қочди. Мулла Султон *сардор* қўлида шамшири обдори бараҳна Олимкулни қувуб борур эди, Олимкулни мулозимларидан бири бу ҳолни кўриб, мушоҳада айлаб, каминдан пойлаб, ўқ бирла отиб, мардона шери бешаи замонни бир ўқ ила корини тамом қилди. Мулла Султон *сардор* шаҳодатға етди, аммо номи жаҳонға алам бўлиб қолди. Ҳанўз ҳамма кўрганлар ани баҳодирликини таъриф этиб мажолисларда сўзлашурлар. Ўзи юз боласи эди. Хўжандға ҳоким қилғон зиёда муттақи тақво //93^а дор киши эди. Аллоҳ таъоло раҳмат қилсун.

Эртаси кун Марғинон ҳокими Айюб *додхоҳ* ҳам сахт ярадор бўлди. Муни кўриб Мирзо Аҳмад *мингбоши* ҳез Марғилонни ташлаб қочиб чиқиб бар тарафи Хўқанд роҳи бўлиб келиб, хонни мулозамат айлаб, кўз ёшини жолавор тўкиб, хонни оёғиға йиқилиб, ҳасрату надомат ила доми тазвирини жилвасоз айлади. Хони замон таваккал ба зоти парвардигор Азза ва Жалла этиб, Мулла Султон *сардор* руҳиға дуои фотиҳа айлаб ўткариб, баъда истеъдоди қалъадорликға машғул бўлди. Мулла Олимкул ва Шодмон хўжа Марғинонға дохил ўлдилар. Шу муқаддимадин кейин саранжомларини олиб баъд аз он инони азиматни бар тарафи дору-с-салтанати Хўқанд //93^б маътуф этдилар. Пеш жанги лашкари қипчоқ Кали Мингбой *додхоҳ*, Фўлод *додхоҳ* қирғиз, Чўтан *додхоҳ*, Бекмуҳаммад қирғиз эдилар, етиб Хўқанд мардоналариға дастбурди кўргузарға бошладалар. Саййид Ғози ном Шодмон хўжани ўғли бирла, Топиболди *додхоҳ* қирғиз лашкари ашқиёдин ул кун ўққа учди. Бекмуҳаммад сахт ярадор, яъни захмдор бўлди. Шикасти фоҳиш лашкари ашқиё аҳли фасодпешаларға бўлиб ёндилар.

Бу ошонда Бухоро амири тарафидан Алиёрбеки *додхоҳ* ила Якуббек *эшик оғаси* йигирма минг қўшун ила хони замонни мададиға етиб мулозамат айлаб дедидар: – Шоҳриёро! Сиздек хони воложоҳ бир мунча қирғиз қипчоқ авбоши бебошлар бирла нечанд йил, //94^а ойлардин буён жанг этиб ўддасидан чиқолмай тинчлик тортурсиз. Эмди бизлар келдик, бу гала қирғиз-қипчоқлардан дудидимор чиқариб сизға осойиш еткурғаймиз, – деб, лофи қофлар урдилар. Худоёрхон валиғми дедилар: – Ори, рост айтадурсизлар, кўп замондин бери бу хирасарлар бирла урушиб, ҳориб кўфта бўлғонмиз, эмди умид шулки, албатта тасалли суйини сепгайсизлар, – деб Бухоро қўшуниға жой тайин қилдилар. Худоёрхон валиғми ўз яқинларидин бир нечаларни йўқлаб деди: Ажабо, Бухорийлар нечук катта сўзликдурлар, қипчоқларни мардликини кўрмай, зарбини етибдурлар, бу кун эрта ҳолларини кўргаймиз, баҳодир //94^б ликдан нима нишон берурлар, – дер эрди. Бир-икки кун дам-осойиш олиб, сўнгра Алиёрбек ила Яъкуббек *оталиқ* дедилар: – то ҳазрат амир келгунча хизматни шойиста этсак, балки бу авбош, шақовот шиъорларни орадан кўтариб барҳам урсоқ – деб, буюрдилар шаҳарни дарвоззаларини кушода этинглар, бизлар чиқиб, бу ашқиёлар жавобини бериб, мамолики Фарғона

бошларидан бу фалокатни дур этиб, фитна оловини ўчургаймиз деб, ўзларини омодаи жанг этиб, равона бўлдилар. Худоёрхон валиғми 2-3 минг марди жангии Фарғонани мукамал этуб, Ниёзали қўшунбеги ила Дўстмуҳаммад *фармончи*га топшириб, лашкари бухорилар орқаларидан ихтиёт бўлуб турмоққа фармон қилди. Бу муқаддимадин сўнг лашкари ашқие оғоҳ ўлуб лашкари қипчоқдин саккиз минг шермардони корозмудани интихоб айлаб, //95^а Мулла Олимқули, Мингбой, Фўлод *додхоҳ*, Чўтан баҳодир икки мингдан тўрт қисмга бўлунуб мунтазири фурсат бўлуб турдилар. Лашкари Бухоро етганча душманни саҳл шуморида қилиб ўзларини урдилар. Лашкари аьдо ҳам ғайрат айлаб, Бухориларни найза бирла замин саҳнига ҳамвор қилдилар. Яқин эрди лашкари Бухорони барҳам берсалар.

Баъзи бедиллар фирор айлаб, қалъага ўзларини олдилар. Бу ҳолдан Ниёзали қўшунбеги, Дўстмуҳаммад *фармончи* оғоҳ бўлиб, етиб, имдод булдилар. Бухорилар яна собитқадам айлаб жанг қилдилар. **Маснавий:**

Чунон гарм шуд оташи корзор,
Ки аз наъли асбон баромад шарор,
Таранг камон рафт зи мағзи кўх.
Фашафош кунон тир бар ҳар гурўх.
Зи ғурридани жандапилони маст,
Гирех дар гулуйи ҳазбарон шикаст.
Зи шўридани нолаи карнаю ной,
Барафтод ба ларза бар дайу пой.
//95^б Зи бас чунки гирд омад андар мағок,
Чу гўгирд сурх оташин гашта хок.

Алҳосил, тарафайн мардуми беҳад қатлға етдилар, бир-бирларидан жудо бўлмас эдилар. Худоёрхон валиғми фавжи тўфангчиларни буюриб лашкари аьдони ўқға тутдилар. Лашкари аьдо кўп талофот кўргузуб шаҳрни муҳосарасидан қўл йиғиб, мавзеи Оқтефа бориб нузул этдилар. Баъд аз бир неча кун ўтуб амири Бухорони вуруди фаҳмланиб, акобирони уламо ва фузалойи Фарғона хони замон истиқболига буюруб, қариби шаҳр бўлғонда хона замон ҳам пешвоз чиқиб, ўз амаротгоҳига келтуриб кўндурди. Хони замонни ўзи падар арўси Саййид Ғозихон тўраки, хонни учинчи фарзанди Саййид Умарбекни бобосидур, //96^а ани ҳовлисиға, яъни маҳаллаи Довудқулибекга бориб мустақил бўлди. Асли бу ҳовли Олимхони шаҳиддан қолмиш, шаҳзодаи Фарғона Довудқули бек ўрдаси бўлиб, андин кизи Биби Робиа мерос қилиб келмишдир. Алҳосил, хони замон амири Бухорони бир неча вақт шароити меҳмондори ва қавоиди мулуконани тақдимға еткуриб, баъда залолат пешалар машваритиға иқдом кўрсатиб, ба самти Марғинон роҳи бўлдилар. Олтиариқ мавзеиға етиб эдилар акобирони ашқие Ёрмозордин кўчиб, ба тарафи Асака равона бўлдилар. Бу тараф ҳар ду соҳиби давлат Олтиариқдан ўтиб Марғинон бориб, Маъоз Жабалға кўнуб осудалик этдилар. Лашкари қипчоқ ҳар кун бир манзил нари ўтуб қўнар эди. Шулар тариқа //96^б бирла Кўхистон, Қорағулча бориб истиқомату иқомат этдилар.

Қорағулча андоғ мустаҳкам жойдурки, гирдо-гирди баланд осмонға печида урғон тоғлардур, йўли тангу торик сўқмоқ йўллар бўлиб аксар жойида улуғ наҳрлар воқеъдур, яна тоғни ичида улуғ улуфа ва захоири бешумордур. Ул жойи тангу торикларда бу бадавийлардан ўзга одамларнинг юрмоғи амри-маҳолдур, агар йўлға андак мерган қўйсалар, ҳар қанча пурзўр лашкар бўлса ҳам отиб, бир-бир териб тамом адо қилғайлар. Икки соҳиби давлат олийшонлар Қорасув ном қасабаки, даҳана ва қариби Қарағулчадур анда бориб маҳали нузули сародикати ҳашамат қилдилар. Баъд аз тажассуси бешумор ила билдилар қўшуни пуршуқуқ бирла бу тоғ орасиға кирмоқ муяссар бўлмас. //97^а Тафаккури бисёр машварати дурру дароз ила элчи юбормакни салоҳ кўриб, истимолотнома ёзиб, хузурларига даъват айлаб рисолат юбордилар. Лашкари аҳли кибори қипчоқ, Шодмонхўжа²⁹⁶⁵, мулла Олимқули, Султон Маҳмуд тўра, Фўлод *додхоҳ*, Кали Мингбой, Чўтан *додхоҳ* эдилар, маслаҳат бирла дедилар: «Соҳиби давлат ва валинеъматлардан умидимиз шулки, иттифоқ кўргузуб, Марғинон бориб, маҳалли иқомат кўргузсалар. Бизлар фаҳму ҳаросдан чиқиб, ақлу ҳушларимизни жамъ айлаб ба дурустии тамом остон бўстонликға борсак: – деб элчини бу ҳийлайи тазвир ила ёндурдилар. Элчи келгандин сўнг амири Бухоро аҳли кубори қўшинини йиғиб маслаҳат сўраганда Ниёзали *амир лашкар* ила Дўстмуҳаммад *фармончи* арз мақомида туриб дедилар: – Жаҳонпаноҳлардан илтимос буки биз камина ғуломи //97^б бе дирам, харидорларни беш-ўн минг лашкари жаррор ила доманаға

²⁹⁶⁵ Шодмонхўжа парвоначи, мингбоши – (1798-1863). Қўқон давлатининг ҳарбий ва сиёсий арбоби. Маҳрамбоши (1844), додхоҳ (1848), Тошкент (1853) ва Хўжанд (1856-57) ҳокими, мингбоши (1857-1858), Балиқчи ҳокими (1858-1860). 1862-1863 йилларида Худоёрхон мингбошиси. Тошкент (1863) ҳокими. Алиқули фармони билан ўлдирилган.

ташлаб соҳиб давлатларимиз ўзлари бирмунча замон Андижонда истироҳат кўрсатсалар, душман забун бўлиб, ноилож ўзларини бу кўҳистон орасига олиб паноҳ этибдур. Зимистон қарибдур, мунча оғир лашкар бирла анда истиқомат қилолмай чор-ночор тавба-тазаруъ бирла остони гардунмадорға юкунурлар: – демаклари ила Мирзо Аҳмад айтди: – амир ба рости б асидки дил арз айлаб элчини ёндурғон бўлсалар, ажаб эмас, агар ўзлариға вафо қилмасалар яна танбех бермоқ мумкин бўлғай, – демаки бирла баъзи кўтоҳандешлар сафардин зеркиб истироҳатни хоҳладилар. Мирзо Аҳмадга мутобеъатчилик кўргуздилар. Баъда амир Бухороға маъқул тушуб //98^a басамти Хўқанд мурожаъат этдилар.

Мақорини бу ҳол Мирзо Аҳмад *қўшибеги* намак ҳароми одам буюриб, бола-барқа аҳлини ба тарафи Наманган роҳи қилғон эди, ўзи ҳам фурсат топиб Яъқуббек *оталиқки*, сўнгра Қашғарға ҳукмрон ўлиб «Бадавлат» ном кўтаргандур ани муқарраб дўсти эди, бо ҳамроҳии ў фирор айлаб ўзларини Қорағулча еткурдилар. Замоники, акобирони қипчоқ макр-ҳийла бирла нажот соҳилиға чиқиб, Андижон, Ўш тарафларидан ғалла ва улүфаларни жусту жў этиб ҳаддин ташқари йиғиб Қорағулчаға ғамлаб мутамаккин бўлдилар, амири Бухоро интизор бўлиб қаради, акобирони қипчоқдин асар йўқ, дилгир бўлиб яна элчи юбормакни салоҳ кўриб Абдусамад *мирохур*²⁹⁶⁶ ни ба тариқи рисолат юборди. Жавобиға акобирони қипчоқ айтдилар: – амири //98^b қахрамон Худоёрхон бирла бизни орамизда кўп қонлар тўқулубдир, биздан оғаси Маллахони шаҳидни хунини истаб, қатлға еткурмай қўймас, ҳусусан Ниёзали *амир лашкар* ила Дўстмуҳаммад *фармончи* ани вазиридур бормоқға асло тоб-тоқат бизларда йўқ, жони ширинимиздан воз кечмасмиз. Жаноби амири беназирдин умид қилурмиз биз бечораларни борасига раҳм-шафқат илкини пешонамизға қўюб, бало гирдобидан бизни кутқариб, қахрамони бошимиздан дур этиб бизни асли хонимиз Шох Муродхондур жойнишин этсалар, баъд аз он ғуломлик халқасини қулоғимизға тақиб ҳазрати амирни ҳақлариға аҳли-аёлларимиз бирла барча улус то қиёмат дуода ёд қилиб, мутиъ ва мунқоди жаноби олий ўлғаймиз //99^a тавоққуъ ва илтимосимиз будур, жонимизни муҳофазати лозимдур, агарда арзимиз жойгир бўлмаса амир шундоғ билсунларки, офтобдин сояғага еткурмай амири Бухорони обрўйларини тўқур; номуси подшоҳларини барҳам ва барбод бергаймиз «нисорат гардам, садқа шавам» деб турадурган бе ҳамиятлардан эмасмиз, биз шунда кўрқиб келмадук, иззат-ҳурматларини сақлаб, пос хотираларини тутиб келдук, муни ғанимат билсунлар», – деб, элчини ёндурдилар. Элчи келиб маърузға еткурди. Амири Бухоро Фарғона маҳкуми ўзиға мусаллам бўлғондек ақида қилиб, хони замонни бир неча умаройи Фарғона бирла Бухороға жўнатиб юборди. Оз замон ўтуб Шох Муродхонни //99^a Фарғонаға хон қилдим деб, баъда ўзи ҳам озими Бухоро бўлди. Аҳли Фарғона бу ишға таъжжуб айлаб айтур эдилар: – амири Бухоро хонимизни мадади учун келиб, ҳеч иш қўлидан келмай, бе номусликни ўзиға пеша қилиб, номардлик айлаб, дўст мен деб келиб, душман ишини қилиб кетди, хонни тожу тахтидин жудо қилди, деб афсус надомат қилур эдилар. Амири Бухоро қачон Бухоройи шарифға борди Фозилбек *дастурхончи* Хўқандни *минбошилик* мансабини олган эди, Қаноат шох²⁹⁶⁷ бирла қўшиб қатлға еткурди. Бу тутган ишлари ила фахрланиб, Бухоро тахтида мутамаккин бўлди.

Шуаройи Фарғона амири Бухорони Хўқанд келиб-кетганини тарих бойлабдур. **Таърих:**

//100^a Дар ҳазору дусаду ҳаштод он шоҳи Бухор,
 Жониби Фарғона рўй овард бо сад эҳтиёж.
 Шаҳриёрони хуби мулк бо ин назҳат чу дид,
 Жо гирифт бар мизожаш изтиробу ихтилож.
 Муддате ғарқоби хайрат гашта дар ҳомуну дашт,
 Баҳри сулҳу жанг натвонист тадбиру илож.
 Дода сардорони аъдо шоҳро макру фиреб,
 Пештар аз вай равон шуд хони соҳиб тахту тож.
 Дўш вақти субҳ будам дар тафаккур хотифе,
 Баҳри тарихаш бигуфто «рафт аз манғит ривож»²⁹⁶⁸.

²⁹⁶⁶ Мирохур – хон отхонасининг бошлиғи.

²⁹⁶⁷ Қаноат оталиғ – Қаноатшоҳ оталиғ тожик (1862 йили ўлдирилган). Қаротегиннинг Самсолиқ қишлоғида оламга келган. Шғли Одилбек, укаси Давронбеклар билан Қўқон хони Муҳаммадали хизматиға келиб кирган. Қўқон хонлари ва бухоро амири Насруллоҳ ва Музаффарға ҳам хизмат қилган. Жиззах (1855-1856), Туркистон (1856-1857), Марғинон (1859), Тошкент (1860-1862) ҳокими. Рус босқинчиларға қарши Узуг Ағач муҳорабасида Қўқон қўшиниға бошлиқ бўлган ва шу урушдан сўнгра ғозий унвонини олган. Амир Музаффар фармони билан қатл этилган.

²⁹⁶⁸ “Манғит” сўзидан “ривож” сўзининг абжод ҳисобидаги сонларини айрилсак 1280/1863-64 чиқади.

Ҳангома ёки ишлар бу тарзда саранжом топди, ақобирони қипчоқни муродлари гули очилиб бахтлари ёри бериб наққораи навозишга келтуриб, асаси даб-даба бирла жўнаб, Ёрмозор келиб кўндилар. Бу тарафдан Шоҳмуродхони ажал расида аркони давлат ила уламо ва фузало истиқбол кўргузиб, Марғинон бордилар, ақобирони қипчоқ ҳамма аёни мамлакатни йиғиб, машваратни орага солиб дедилар: – Эй ҳозирони қиборлар! Барча муродимиз ҳосил бўлди, сизлар //100^б кимни хон қилмоқ орзуларингиз бўлса айтинглари бизлар қабул қилиб ҳаммамиз билиттифоқ ани ўзимизга хон кўтаргаймиз – деганларида баъзи мунофиқ хушомадгўйлар дедилар: – Мулла Олимқули *эшик оғосини* жусту-жўйи бирла бу ишлар анжом топибдур, шужоъатпаноҳ, оқил ва донодур ани хон кўтарсак мумкин ўлғай демаки бирла, мулла Олимқулга хуш келиб, майлонлик изҳор қилғонда, Мингбой *додхоҳ* қаддини рост айлаб деди: Ҳайҳот-хайҳот эй мулла Алимқул *эшик оғосини* бундай ишдан воз кечгил нолойиқ ва номуносиб иш ўзунгга иртиқоб қилма, «буғдой намойи жавфурўшлар» (буғдой кўрсатиб арпа сотувчилар) сўзиға алданма, агар бу ишлар саҳл ва осон бўлса эди ҳамма хоҳлаб Фарғона аморотгоҳини ўзларига //101^а муяссар қилғай эди, – дейиши ила мулла Олимқул айтди: Эй яхшилар! Мен Фарғона тахтини эгаси эмасдурман, агар менинг сўзум сизларга писанд бўлса Маллахони одилни шаҳид айлаб барча улус армондан чиқмай ғам қайғуга қолиб, азоб-укубатдан чиқмадилар, султон Саййидхон²⁹⁶⁹ ибн Маллахони шаҳид аслнасаб орамизда ҳозир экан ани хон қилсак шояд бу васила бирла қиёмат куни юзимиз ёруғ бўлғой, - деди.

Ҳамма билиттифоқ сўзини мусаллам тутиб қайтадан хон кўтардилар. Тўқуз яшар болани оқ наमतга солиб хон кўтармақдин ҳамма ишлар қўлимизда бўлиб муродимизга иш тутғаймиз, демақдин иборат эди. Баъд аз он бечораи мазлум Шоҳ Муродхон бирла Содикбек ибн Бек //101^б ўғли бекни даражаи шаҳодатга етқуриб, хотиржами тамом Ёрмазордан кўчиб жўнаб доҳили дор ул-амора бўлдилар. Анинг учун «жўянда ёбанда» (қидирмиш-топармиш) дерлар. **Маснавий:**

Даврони фалак бемадор аст,
 3-ў гоҳи хазону гаҳ баҳор аст.
 Ин бода ки рўзгор дорад,
 Як мастию сад хумор дорад.
 Ҳам муҳра диҳад ба дасту ҳам дурр,
 Гаҳ шиша тиҳи кунад гаҳе пур,
 Селоби ғамаст дар сурураш,
 Тўфони балост дар танўраш.
 [Фалак айланишида йўқ мадор,
 Ундандир гоҳ хазон гоҳо баҳор.
 Рўзгорнинг бу бодасида,
 Бир мастлигу юз хумор бор.
 Кўлга ҳам муҳр беради ҳамда дурр,
 Шишани бир бўшаб, бир қилади пур.
 Хурсандлигида ғам сели бор,
 Унинг танурида бало тўфони бор].

Ҳангоми шавкат мадор аҳли фасод доҳили Хўжанд бўлдилар андақ фурсатда неча саййидзода аҳолии Фарғонадин бадгумон бўлиб даражаи шаҳодатга етқурдилар. Оҳ, аз ниҳоди Фарғонадин ўралади. Аҳли фасод бу байтни тиллариға мутараннум қилур эдилар: **Байт:**

//102^а Соқи бихур бода, бар афрўз жоми мо,
 Мутриб бигў ки кори жаҳон шуд ба коми мо.
 [Соқи ичгин бода, тўлдир бизнинг жомимиз,
 Мутриб сен куйлаки, олам иши бўлди комимиз].

Аҳли гуруҳи фасодандеш Фарғонани нечанд замон шўришга келтурдилар.

Мақорини бу ҳол, лашкари насоро Олма-ота, Тўмоқ, Пишкек, Марки ва Авлиё ота, бу ҳамма шаҳарларни тасарруфиға олиб, Туркистон, Чимкант тарафлариға қўл узатган эди. Маълум ва мубраҳан бўлсунки, амири Бухоро баъд аз шукуфтани ғунчаи дил Дўстмуҳаммад *фармончи*(ни) Хўжандга ҳоким этиб, Ниёзали *қўшунбегини* Тошканд юбориб, Бухороға жўнаб кетиб эди. Руасои бодиянавардлар элчи юбордилар. Дўстмуҳаммад *фармончи* ижобат қилмай ёнурди. Мундан дарғазаб бўлуб Мингбой *додхоҳни амир лашкар* этиб ҳадди қиёсдин ташқари лашкар бирла юбордилар. Кўху дашт ҳомунларни зилзила, //102^б валвалаға келтуриб лашкари азим бирла етиб Хўжандни муҳосара қилиб, ўн беш кунгача фатҳи боб бўлмади. Охир юз фусун-найранг ила жангу жадал кўргузуб, доҳили шаҳр бўлдилар. Дўстмуҳаммад *фармончи* аркга қочуб чиқиб боз бир неча кун марду

²⁹⁶⁹ Султон Саййид хон – Султон Саййид Муҳаммад (1847 ёки 1852 -1868-69) номигина 1863-1865 (май)гача Қўқон хони.

мардоналик кўргузгандин сўнг ноилож сулҳ айлаб, шаҳрни бериб ўзи уч-тўрт кун орада ўткариб Бухорога роҳни пеш олиб бадар кетди.

Баъд аз бу воқеъа Шодмонхўжа *мингбошини* ҳокими Тошканд айлаб, лашкари бекарон бирла буюрдилар, орқасидан ўзлари отландилар. Аксар ҳукумат мулла Олимқул *амир лашкар*да бўлиб, Шодмонхўжа райидан чиқмас эди. Чун бир ҳафта ўтиб, тантана асокири шавкат мадор чўлу ҳомун //103^a қария ва қасабаларни тай айлаб, Тошкандга етдилар. Сана 1280/1863-64да Ниёзали *қўшунбеги*ни макру фасона бирла ром айлаб, Тошкандга мутассириф бўлиб, Тошкандни Нормухаммад *додхоҳ*га лозим сарафроз этдилар. Баъд аз бир неча кун дами осойишдан сўнг Шодмонхўжа бирла Ниёзали *амирлашкар*ни қатлға еткурдилар. Тамоми ихтиёр мулла Олимқулни қўлиға ўтди. Баъд аз ин воқеъа мубодирати бозгашт кўргузиб қароргоҳ давлат бўлуб «Жаҳон ора» ном ўрдани ихтимомға еткуриб ҳамми жойдан саркарда, умаро ва фузалойи шаҳарларни таклиф айлаб шаҳарни ойинабанд этиб, жулуси Султон Саййидхонға тўй қилиб бердилар. Шуаройи Хўқанд тарих айтибдур. **Таърих:**

//103^b Баҳри тарихи жулуси тўю қаср аз рўйи ақл,

Гуфт: «амир Султон Саййид омад гашт Фирдавс жаҳон».

[Жулус(тахтга ўтириш) ва тўю қаср тарихи учун ақл,

Деди: амир Султон Саййид келди, жаҳон фирдавс(бихишт) бўлди]

Бу овонда шаҳри Туркистон, китобларда Ясси дерлар, Мирзо Давлат²⁹⁷⁰ тожик ҳоким эди, тарафи Оқ масжиддан лашкари ўрус етиб жанги сахт воқеъ бўлуб, Мирзо Давлат ёниб доҳили шаҳр бўлди. Ясси шаҳар халқи насоро бирлан тофишгон эдилар, юзиға дарвозани беркитиб, бир тарафдан лашкари куффорни доҳили шаҳр қилдилар. Нормухаммад *қўшбеги* Чимкентда эди, имдоди етмади. Ночор Мирзо Давлат ба тарафи Нормухаммад *қўшбеги* мурожиат этди. Лашкари насоро бири Марки тарафидан келиб Авлиё отани бири Оқ масжид тарафидан келиб Туркистонни олиб, эмди Чимкатға ҳаракат қилгон эмиш. Истеъдои бу бечоралар жаноби //104^a соҳиб қиронидан шулки, бе таваққуф инони азиматни қўлдан бермай рояи зафароёти жаҳонбонини бу тараф озим қилсалар – деб, Нормухаммад *қўшбегидин* Хўқандга *чаповул* келди. Мулла Олимқули *амир лашкар* бу хабардан иттилоъ товиб, улус-аймоқ ҳамма атрофға нома юбориб, жонги насораға тарғиб айлаб, истеъдоди корзорни омода этиб отланди. **Назм:**

Жаҳондор чун лашкар омода гашт,

Бар омад ба аспу даромад ба дашт.

Ба қасди аду танг баста миён,

Ба алмоси кин тез карда синон.

Зи суми сутурон дар он паҳн дашт,

Замин шаш шуду осмон гашт ҳашт.

[Мана яна қўшин бўлди тайёр,

Отга миниб, дашт сари чиқишди.

Душман қасдида белни сиқиб боғлашди,

Қиличларни қасос олмоси билан қайрашди.

Кенг дашт аро отлар туёғидан,

Ер олти бўлди, осмон эса саккиз.

Тарих хижрий бир икки юз саксон бирда (1864) Мулла Олимқул *амир лашкар*и гардун мадор бирла ба сувби Тошканд роҳи бўлди. Қатъи манозиллар айлаб Тошкандга етди. //104^b Андин ўтиб қарияи Чимкатға озим бўлдилар. Лашкари насоро қарийб Чимкат бўлгон эди. Мулла Олимқули *амир лашкар* Чимкатдан ўтиб баробари лашкари насороға саф дар саф қафои яқдилар бўлдилар. Муноди қўйди, – ҳар ким лашкари куффордин рўйи гардон ўлса боши ўлимда моли талонға бўлғай, деб. Жаҳон дар жаҳон тиғу ҳафтону қалқонға тўлди. Баъд аз фотиҳа, диловарони номдор ва баҳодирони филтанлар тиғларини уруб чунон жанги азим барпо қилдиларки, ёзмокға забон қосирлик қилур.

Назм:

Бар омад зи қалби ду лашкар хурўш.

Расид осмонро қиёмат ба гўш.

Ду лашкар баҳам бар заданд зи кин,

Ту гуфти задан(д) осмон бар замин.

Зи боридани тир ҳамчу тагарг,

Бо ҳар гўша бар хост тири хаданг.

²⁹⁷⁰ Мирзо Давлат – Давлат қўрбоши, додхоҳ Қаротегиндан (ваф. июль 1864 й.)

//105^a Бикуштанд чандон зи ҳар ду гурўх,
 Шуда хоки дарё чу ҳомуни кўх.
 [Икки лашкар қалбидан чиқди ҳайқирик,
 Осмон қулоғига қиёмат хабари етди.
 Ўртадан отилган икки лашкар бир-бирига ташланди,
 Худди ер билан осмон тўқнашгандек бўлди.
 Ўқнинг қору дўлдек ёғишидан,
 Ҳар бир бурчакда кўзғолди ўлим тўфони].

Ҳадди қиёсдин берун мардони жангчилар ул кун даражаи шаҳодатни нўш қилдилар. Эртаси найири аъзами ато бахш даричаи обнусидин бош кўтарди, машварати дилписанд бирла қора бўйра айлаб они орқасидин муборизони Турон борганча ўзларини насороға уруб, аралашиб жанги қиёмати сағир ошкор қилдилар. Насораларни от оёғи остиға олиб дами тиғдин ўткирдилар. Ул кунги жангда Мингбой *додхоҳ* ўзини насоролар ўртасиға олиб айни қизиқ жангда эди ўқға учуб шаҳид бўлди. Далерони жангчиларни дасти бозуси бирла лашкари насоро ҳам кўп талафот кўргузиб, бе мақсад ба тарафи Туркистон андақ қолғон лашкари насора мурожиат этди.

//105^b Баъд аз он воқеият мулла Олимқули *амир лашкар* Авлиё-отадаги лашкари насораға химмат камарини белиға бойлаб озим бўлди. Лашкари насоро бир чуқурлукдин чиқиб лашкари Фарғонани чунон шиббаи тирға тутдиларки, ҳамма лашкари ислом ларзон аз тарсу бим ҳаросон ўз ҳоллари бирла саргардон бўлдилар. Бовужуд мунча даст набарди куффорни кўриб боз ҳамма яқдил ғайрат этиб, лашкари насороға ҳазимат бердилар, ғанойим бисёр қўлларига келтируб мурожиат этдилар. Чимкатни сафилларини хуб мустаҳкам айлаб, Мирзо Аҳмади ҳезга ҳокимликни арзони этиб, баъда Мулла Олимқули *амир лашкар* саёдатпаноҳ Султон Маҳмудхон тўра ва Улуғхон тўра ҳар икки домоди Шералихони шаҳидни даражаи шаҳодатға еткурди, боз аларға //106^a кўшуб сарҳангони кўшун Нормухаммад *қўшибеги*, Мухаммад Назарбек *фармончини* қатлға еткурди.

Бу замонда Бузургхон тўра Қашғарда лашкари хитой-тоторлар бирла ғазотда эди, ёрдам сўраб элчи келганда Яъқуббек Пискатий мудаббираи жаҳонни беш юз лашкар бирла Бузургхон тўрани имдоди учун ба тарафи Қошғар равона қилди. Баъд аз бу қору бор мурожаатини Хўқандға мубодират кўргузиб равона бўлди. Хўқанд келиб бир мунча вақт осойиш этган замонда боз ғалабаи насоро зиёда бўлиб, Чимкатни келиб муҳосара қилди. Мирзо Аҳмади ҳез зоғвор хиром айлаб лашкари бекарон бирла қалъадан чиқиб лашкари ўрус садди роҳини тўсмоқи ила жўшу хурўш этиб, масти мустағриқи боди сар-сар, балки тезтар лашкари исломға етуб //106^b шиббаи тирға тутдилар. Мирзо Аҳмад монанди мокиён фирор этиб, қалъаға кириб қамалди. Анда ҳам турмоқға тоқати бардош этмай бу марзи бумни ташлаб ба суйи Тошканд роҳи бўлди. Пиёдагони лашкари ислом ҳеч тараф ўзларини еткуролмай мақдурҳол жанг айлаб номуродлик бирла талаф бўлдилар.

Сана 1281/1864 да рўзи сешанба лашкари насоро доҳили қалъа бўлдилар. Онча бедодгорлик бўлса мусулмонлар ҳақиға дариг тутмадилар. Айтурларки бир минг бир юз етмиш киши, сағир-кабир ва нисвон шаҳодатға етдилар деб. Баъзилар ба тарафи Тошканд фирор этдилар, лашкари насора орқаларидан қувлаб Тошкандни муҳосара этиб, бирмунча даст-бурд кўрсатиб ёндилар.

Бу хабарни Мулла Олимқули эшитиб сипоҳи бисёр ила Тошканд етуб //107^a кўрди лашкари насоро Чимкатға ёнибдур, бир неча кун дам осойиш айлаб, акобирони лашкари ислом ила уламо ва фузало ҳамма аёғни мамлакатни йиғиб, насора машваратини ораға солди. Жаноби муршиди комил Миён Халил Соҳибзода²⁹⁷¹ мубошири такаллум бўлиб дедилар: камина дар он вақти Истамбул – Ислонбулға Маллахони шаҳид тарафидан ба тариқи рисолат бориб, қайтуримда гузарим Петербурх тушиб, русия давлатини кўриб, аслаҳа-анжом, низом-қонун, қавоидиға андақ ошна бўлдим, агар бу кўргонларим тўғри бўлса, бизлар бу лашкаримиз ва яроқларимиз, беинтизомликимиз бирла уҳдаи куффордан чиқаолмасмиз, лозимдурки тадбире топиб, кенгаши сулҳни бир неча йиллар ороға солиб, атроф-акноф оламдан хабардор бўлиб, кўшни давлат //107^b лар бирла муттафиқ бўлуб, лашкаримиз низомини тузатиб, мунтазам айлаб, ғазот қилмасак, ўзимизға пушаймонлик келтуруб ҳаммани паймол этиб, исломободликни қўлимиздан райгон берурмиз!» – деганларида, мулла Олимқулни ҳар тора мўйи чун наштари обдор бўлиб, ранги мутағайюр бўлди. Бу ҳолдан баъзи машойих ва уламо огоҳ бўлиб, Миён Халил лашкари куффорни таъриф айлаб, исломни забунҳол қилиб кўрсатди, бу такаллуми бирла соф бўлди, – деб алола кўтардилар. Яқин эрди Мулла Олимқул шамшир бирла ду нимта баробар этса, ёки тошбўрон қилсалар. Баъзилар шуни билиб, қочириб юз фана қилдилар. Баъд

²⁹⁷¹ Миён Халил ҳазрат Соҳибзода – ваф. 1285/1868-69 йили. Уламо ва дипломат. Пешоварда оламга келган. Ҳаждан кейин Қозон шаҳрига келган. Бу ерда татар уламоларидан бири бўлган Мулло Фатхуллоҳ (1767-1843) қизи Фотимага уйланган. 181-1842 йиллари Қўқондан Россияга элчи бўлиб борган. 1862 йилгача Тошкентда яшаган. Жияни Миён Фазл Аҳмад Бузруг хожи билан Бухорога кетган ва амир Музаффар ҳузурда бўлиб, шу ерда вафот этган.

аз бу ҳол Мулла Олимқул ўн икки минг марди жангини интихоб этиб, ўз рикобиға олиб, ба тарафи Туркистон роҳи бўлди. Қаттиқ зимистон эди. Йўл //108^a кезиб аксар лашкарни оёқ-қўлини совук олиб, касрати борону барфдан ҳалокатга етиб, баъзилар беҳушона йўлларини йўқотиб, шу тариқа ила қасабаи Жўлакға етдилар. Анда эллик нафар лашкари насора ба тариқи қаровули турур эди, они бориб босдилар. Шундай зимистонда фирор айлаб ўзларини Иқонға еткурдилар. Шаби зулумати бартараф бўлиб офтоб чиқиб оламни равшан ва мунаввар қилди. Мардуми Иқон лашкари осломни кўриб, ваҳму-ҳарос этиб насороларни тутуб *амир лашкар* олдиға пешкаш айлаб келдилар. *Амир лашкар* бу аскарларни дор ул-амораға ирсол қилди. Ушбу кун қарийб намози аср бирла намози шом орасида чанд юз лашкари насоро етиб келди. Қаҳру ғазаб ва жаҳолат *амир лашкар* домангири бўлуб, нигинвор лашкари насорони ихота қилди. Бу замон чунон қор ёғуб, таковурони //108^b лашкари ислом то ба зону қор ичида эдилар. Шу тариқа бирла кечаси таковурдан қўнмай от устида рўзға мубаддал қилдилар. Лашкари ислом ҳар жиҳатдан мардонавор жанг қилиб, дарахтни шохларидан кесиб қора бўйра айлаб они орқасиға ўзлариға паноҳ этиб ўзларини насороға етқуриб, аралашиб, кушта-пушта айлаб, андак нафар куффор фирор этиб, ўзларини Туркистон етқуруб махлас тофдилар²⁹⁷². Мулла Олимқули зафар бирла мубоҳат айлаб мурожиати дор ул-амора бўлди.

Орада олти ой ўтиб, давлати Россияни лашкарбошисини Чирнайиф²⁹⁷³ ном атар эдилар, Чимкатдан ҳуруж айлаб Ниёзбек мавзеёға келиб қўниб лашкаргоҳ қилди. Абдурахмонбек *понсад* ибн Шодмонбек *фармончи додхоҳ* //109^a Мулла Олимқулдин жонини қутқармоқ учун қочиб, Русия сардорини олдиға, ба тарафи Чимкат борғон эди, йўлбошчи бўлиб келди. Яна Ҳожи Олим ном нўғай Тошкандни аҳволотидан Чирнайиф сардорға воқеанаваслик айлаб турур эди. Алқисса, омад-омади лашкари насоро ба самъи мулла Олимқул *амир лашкар* етиб лашкари ҳозирон бирла озими Тошкент бўлди. Орқасидан лашкар етишмоққа ҳар тараф нома юборди. Ўзи тез-тез юриб доҳили Тошканд бўлуб, Мингўрик ном мавзеёға нузул этди. Ало-с-сабоҳ аз рўйи ғазаб рокиби таковур ўлиб, жанги насороға жўнади. Қўшуни насоро Шўртепада эдилар, етиб тақобили //109^a ҳамдигар бўлиб, кўшиш кўргузуб турганда бир ўқ келиб тегиб, захми саҳт еди. Баъзилар бу ўқ лашкари насора куффордин тегди, баъзилар Усмоналибек инб Ниёзбошибек *қўшибеги* отди, баъзилар *амир лашкар*ни ўз ҳабаш ғуломи отиб шаҳид қилди дер эдилар. Ал-ҳосил, Мулла Олимқулни орқасидан суяб доҳили Тошканд бўлдилар. Шайх Ховантаҳур ном мазори бузрукворни майдониға Лангар ҳовуз лабиға етқуруб ётқуздилар, саҳл фурсат ўтиб жонини жаҳонофаринға топшурди. Қачон Мулла Олимқулиға ўқ тегди ҳамма лашкар фароканда бўлуб, шаҳарға кирмай, ба тарафи Хўқанд фирор этдилар. Чирчиқ суви тошқин эди, аксарлари сувға оқиб ҳалок бўлдилар, Бекмуҳаммад *фармончи*²⁹⁷⁴ бирла Мирзо //110^a Аҳмад ҳез қочқанча доҳили Хўқанд бўлуб Худойқулибек²⁹⁷⁵ ибн Мақсудбекки Белбоғчихон номи бирла машҳурдур, соҳибжамол йигит эди, Сулаймонхони шаҳид ибн Шодибекки шаҳидни авлодидур ани ўз ҳолиға қўймай хон кўтардилар.

Булар шунда турсун, сўзни Тошканддин эшитинг: Тарихлар ривоят қиладурлар бечора Султон Саъидхон бош уюн боласи хон Тошкандда қамалда қолди. Русия муҳосира айлаб қалъаға югуриб, ҳар кун фуқаройи Тошканд бирла уришиб, жангу набард кўргузар эди. Мулла Солиҳбек *охунд*²⁹⁷⁶ шаҳр

²⁹⁷² Иқон воқеаси 16-18 (1-6) декабрь содир бўлган.

²⁹⁷³ Чирнайиф/Шерноиб – Генерал Михаил Григорьевич Черняев. (1828.21.10(3.11) -1898.4(16)).8, Тубишки кишлоғи, ҳозирги Беларуссиянинг Могилёв вилоятида оламга келган рус мустамлакаси ҳарбий арбоби, генерал-лейтенант (1882). Дворян оиласида туғилган. Ҳарбий академияни тугатган (1853), Қрим ва Кавказ урушларида қатнашган. 1864-65 йилларда алоҳида Ғарбий Сибирь отрядига қўмондонлик қилиб Қўқон хонлигига қарашли Авлиёота, Чимкент ва Тошкентни босиб олган ва Россия империяси таркибида янги ташкил этилган Туркистон области ҳарбий губернатори этиб тайинланган. Тошкент Россиянинг кейинроқ Ўрта Осиё хонликларини босиб олиши учун таянч пунктига айлантирилган. Мансабини суиистеъмол қилгани учун 1866 йили истеъфога чиқарилган. Черняев Тошкентни босиб олишда ҳам, губернаторлик фаолияти даврида ҳам Россия ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини изчил амалга оширишга ҳаракат қилган.

²⁹⁷⁴ Бекмуҳаммад додхоҳ – шаъбон ойи 1282/20 декабр-18 январ 1866 йили вафот этган. Қипчоқларнинг етти қашқа уруғидан. Муҳаммадназар Кўрўғли ибн Санжар баҳодирнинг бобоси, Холмуҳаммад додхоҳнинг отаси. Шаҳрихон (1842-1852), Чуст (1860-1861), Андижон (1865) ҳокими. Бир муддат Қўқонда хон бўлган Худрйқулининг мингбошиси бўлган (июн 1865). Худоёрхон учинчи марта тахтга чиққанида (июл 1865) 3-4 минг қирғиз ва қипчоқлар билан Шарқий туркистонга кетган.

²⁹⁷⁵ Худойқулибек ибн Мақсудбек ибн Бекбўтабек ибн Сулаймонбек ибн Шодибек.

²⁹⁷⁶ Мулла Солиҳбек охунд – тўлиқ исми Мулла Солиҳ охунд додхоҳ Қозоқбой Убайдуллабек ўғли (1805, Тошкент – 1868, Томск, Россия) – давлат арбоби, уламо, мударрис, Подшо Россияси қўшинларига қарши Тошкент мудофаасининг раҳбари. Отаси – Қозоқбой-бек Қўқон хонлигининг энг нуфузли кишиларидан бири бўлган, унга додхоҳ унвони берилган; Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган ишларда унинг маслаҳати муҳим аҳамият касб этган. Солиҳбек охунд дастлаб Тошкент мактаб-мадрасаларида, сўнг Бухорода (1832-42) таҳсил олиб, охунд илмий унвонига сазовор бўлган. Шералихон (1832-44) томонидан юборилган «Муборакнома»га мувофиқ хон саройида маслаҳатчи вазифасини бажаради, кўп ўтмай Тошкентга қози ва раис ҳамда Хожа Аҳрор, Кўкалдош мадрасаларига бош мударрис лавозимиға тайинланади. Худоёрхон (1862) даврида ҳам унинг мавқеи кўтарилади. Маллахон тахтга келгач (1858-62), Солиҳ охундни Қўқонга чақиртириб «Қозилик ва

фуқаросиға бош бўлуб жангу жадалға тарғиб қилиб, кўшиш айлар эди. Ҳеч тарафдан кушойиши кор тофмай ночор амири //110^b Бухородан ионат сўрамоқчи бўлдилар. Фуқаройи Тошканд ораларида бир неча қилу қоллар ўтуб, баъзилар айтур эдилар: амири Бухоро икки маротаба Хўқандға келиб, талон-торож айлаб ҳамани ғорат, лучу яланғоч этиб, хоҳ молу амлоки рўзғори фуқаро бўлсун хоҳ сипоҳгарлик асбоби бўлсун Бухоро худудиға ташиб, Хўқандни хароб қилди. Бу ҳамма қусурлар андин келиб, лашкари насоро бизларға ғалаба қилди, ул кун эмди бизларни бошимизға келгусидур: – дер эдилар. Охируламр дардлариға дармон ўлмай ноилож, ба сад ажз, нотавон ва афтода ва дармондалик нома ёзуб, одами муътамадлар кўлидин роҳи қилдилар. Жавобиға амири Бухоро деди: – хонларингиз то сизларни ораларингизда бордур мендин умид тутманглар, агар хонларингизни //111^a мени ҳузуримға юборсаларингиз, сўнгра мен, имдод юбориб, бу мушкулни сизлар бошларингизда дафъ қилғаймиз, – деб, бечора фуқаройи Тошканд аз баройи умиди нажот, Султон Саидхонни амири Бухоро ҳузуримға равона қилдилар. Баъда чанд вақт кўз тутуб интизорлик тортдилар, амирдан ҳеч имдод келмади. Бечора мардуми Тошканд кўп танглик тортуб, забунҳол бўлуб, ноилож Беш-ёғоч даҳасидан Абулқосимхон эшон, Себзор даҳасидан Ҳакимхўжа қози аҳди омон ораға солиб вилояти Тошкандни ба дасти Чирнайиф *сардор* таслим айладилар. Чирнайиб *сардор* аёни юртни баъзини ваъдаи ваид ила, баъзиларни илтифоти бирла хурсанд қилиб, мулла Солихбек *охунд* уламои киборни Сибир(га сургун) қилди.

Чун чаманоройи гулистони //111^b сухан ва андалиби ҳазор дoston, мусаннифи таворихҳойи Фарғонани шундай баёни воқеий қиладурлар. Он замонки, Худойқулибек Хўқандға хон бўлди, Бекмуҳаммадни *мингбоши* этиб, Мирзо Аҳмадни *дастурхончи* амалиға мумтоз айлади. Андин сўнг фуқаройи Фарғонаға бир лак (юз минг) тилло солиқ солиб, йиғиб, харж-маржи сипоҳ ва хазина қилди. У замонни ҳар тиллоси бу замонғи – уч сўм саксон тийин кумуш бўлур. Орадан ўн тўрт кун ўтиб, подшоҳи Бухорони келиши масмуъ бўлуб, лашкари қипчоқ шаҳарни ташлаб чиқиб, деҳаи Ғамойилни қарор ва оромгоҳ этдилар. Оз вақт ўтиб лашкари Бухоро Хўқандға етиб келдилар, Бухорода Худоёрхон валиғми бу хангомалардин //112^a иттилоъ топиб, амир Бухоро маъразиға еткуруб деди: агар ризолиғ берсалар камина бу фурсатни фавт этмай маврусий вилоятимға бориб, мутасарриф бўлсам, - демаки ила амир Бухоро айтди: – Сизни мен сабаб бўлиб, тож-тахтингиздан жудо айлаб келтурибмен, бу хижолат ва номус мени ором олдурмас, боядки, эмди яна ўзим бирга раҳбарлик кўргузиб тахтингизға жулусингизни ўз кўлим ила қўндириб, ўз кўзим ила кўруб муборакбод қилиб келсам. Лашкар фармони изъони судур топиб дар саъди соот ҳар ду соҳибдавлат ба тарафи Хўқанд роҳи бўлдилар. Мароҳилалар кезиб, замони маъсудда етдилар. Лашкари қипчоқ Ғамойилдан кўчиб, Марғинон борди. Жаноби амири Бухоро //112^b ҳазрати Мўйи муборакки, Хўқанд қалъасидан ташқаридур нузул этди. Баъд аз он Худоёрхон валиғмиға деди: «Сиз қадимдан қолғон кадрдон, намакхўр жонсипорларингизни йиғиб лашкарингизни жамъ этиб, бу бағий-бадандешаларни бартараф этиб келинг», деди. Худоёрхон андак фурсатда анбух-анбух лашкари жаррор тайёр айлаб, бир мунча лашкари Бухорий ҳам қўшилиб, озим бўлдилар. Лашкари душман Марғинондан кўчиб, Арабон тарафи ила Ўш бориб, андин ҳам ўтиб Ғулшаға етди. Модии ном мавзесида сукунат этган эдилар. Худоёрхони баланд иқбол, саодат ва бахт ёварлики ила етиб жанг айлаб, зеру-забар, қатлу китол, кушта-пушта айлаб, Юсуфбой Мирзо, Элтаркўб *додхоҳ* қирғиз, Хол *понсад* қирғиз ила бир юз маъруф ва машхур лашкари ружалони дастгир этуб, //113^a мобоқи лашкари қипчоқ қочдилар, Худоёрхон валиғми, лашкари нусратасар бирла ба тарафи Хўқанд мубодират кўргузуб мурожиат этдилар. Худойқулихон вазирлар ила Қошғар довонидан ошиб, талофоти беҳад кўрсатиб, ба хизмати Яъқуббек *оталиқ* бадар кетди. Хони замон обрўйи тамом ила доҳили Хўқанд бўлгандан сўнг, амири Бухоро ҳамма аёни вилони йиғиб хонни тахтгоҳига тарих хижрия 1282/1865 санада жулус кўргуздуруб муборакбод қилдилар, баъда ҳар ду амир, соҳиби давлатлар иттифоқ ила дедилар, лашкари насоро вилоятларимизға қадам еткурубдур, боядки иккимиз икки тарафдан жанги насороға омода бўлуб, ғайрат қилсоқ, иншооллоҳ //113^b бартараф қилғаймиз, – деб, меъёр таин этиб, амири шавкатмадор Сикандар савлат, Доро нишон Бухоро тарафиға роҳи бўлди.

бошқа амалларга» ёрлик беради. Султон Саидхон (1863-65) даврида ҳам хоннинг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлган. Аликули билан бирга ва у шахид бўлгач, якка ўзи Тошкент мудофаасини бошқаради. Барча маблағини шаҳар муҳофазаси учун сарфлайди. Генерал М. Черняев билан ўртада тузилган шартнома аҳдларини тузишда фаоллик кўрсатган. Бу шартнома қабул қилиниб, ўртада «Ахднома» битилгач, қутилмаганда Черняев шартномани бузиб, ўз хоҳишига мос келадиган 2-шартномани тузади. Солих охунд унга имзо чекишдан бош тортади. Шу сабабли 9 нафар шериги билан судсиз Томск шаҳрига сургун қилинади. Тошкент шахрининг 37 нафар нуфузли кишилари Солих охундни сургундан қайтариш учун императорга «Илтимоснома» (1867) юбо-радилар. Унга қайтиш учун руҳсат берилганлигини эшитган рақиблари одам ёллаб Солих охундни захарлаб ўлдирганлар.

Хони гардунсарири беназир то Конибодомғача узатиб, дору-с-салтанатиға мурожаат этди. Амири Бухоро Бухороға етди, корсози жанги насораға машғул бўлди. Худоёрхон валиғми ҳам, тўп-тўфанг, силоҳи набарди аскарға шуғл кўрсатиб, етмиш олти тўпи янги, зебо (ва) пурхайбат кўйдуруб, ўз номини ўйдурди, яъни ёздурди. Ҳатто қора-кўндоқ милтиқлардан бир неча минг корхонаи султонисида ростлаб, мунтазири фурсат бўлиб, доди адуға иштиғол айлади. Аввалги ҳолда ғурури бе тажрибалик кўргузса ҳам бу учунчи асрида шундай шаъриятшиор, раиятнавоз хон бўлиб, кипчоқ кирғиз, сартия, //114^a ҳамма тахти тагида бўлуб, ҳамаға бир кўзда қаради. Мамлакатни ободонликиға саъйи балиғ айлаб, аз ҳадди қиёс қария ва бозорлик, қасаба, қишлоқлар чиқоруб, сувсиз жойларға сувлар еткуруиб, мустағни қилди. Ҳамма акрабоси давлатдан баҳраманд эдилар. Уламодўст, машойихи муттақийпарвар хон бўлди. Нечанд букаи хайри мадраса ва дахма, жомеълар бунёд этди. Нобиноларни вазифахўр қилди, ҳамма ғаниликға юз кўйуб, илм ривож олди. Мадрасалар обод бўлди. Аксар муллабаччалар Хўқандни Бухородин илмға ўткун фаҳм қилиб, Хўқандда илми ҳолни хатм қиладурғон бўлдилар. Савдогарларни тижорати равнақ топиб, ҳар қаю вилоятлардан ғайри муқаррар матолардан келтуруб, мардуми Хўқанд, Фарғона қиймат //114^b баҳо либослардан кийуб зийнатландилар. **Абёт:**

Минг икки юз саксон иккида ҳижрат,
Валиғми жулуси эрди шуҳрат.
Тиллову, нуқра, мисға сикка урди,
Ўзини номиға нақдина юрди.
Шариат бирла ҳукмин жори қилди,
Адолат илки бирла кора қилди.
Ибодатхоналар обод қилди.
Дўкону бозорлар бунёд қилди.
Сарой расталарға берди тартиб,
Асокир хоналарға ҳам бериб зеб.
Сипоҳ асбобини айлаб арабвор,
Ўзиға хос маҳрам қилди тайёр.
Амалдор айлабон сартиядин кўп
Фасоди дин, элат халқидин кўркуб.
Кетур соқи, пийла тўлдириб мўл,
Ичай они замони хони одил.
Раъияпарвар ўлди хони Турон,
Худоёрхон зилаллоҳи даврон.

Хони замон матонат шиор яхшиларни қадриға етиб, ёмонларни аз рўйи ҳукми шаръи шариф додини берди. Хирож, ушрни бешдан беролса ҳам, кўп уламо ва машойих, саййиду содот //115^a лар ва умаройи лашкари ислом *тархон* эди. Фуқаро, саркор, омиллари бирла чиқишиб *ушрни* ўндан бир ҳисоби ва қаторида берур эдилар. Амният замони бўлиб, ҳамма умри иқбол жондарозига машғул эдилар. Алҳосил, амир Бухорони ғазотға айланган хабари етиб, Худоёрхон ҳам Хўқанддан лашкари жаррор, марди майдонлар ила таҳаммули бешумор кўрсатиб, отланиб, қатъи манозилу мароҳил айлаб, дарёйи Сайхундан ўтуб, қасабаи Шаҳидон нузул этди. Ғарази орқа-олдини йиғиб, Кандир довонидан ошиб Овлиғ сори тушғай. Бир неча вақт корсози этди, аммо у тараф, амири Бухоро шон-шафкат ила Бухородин жўнаб Самарқанддин ўтиб Майда юлғун ном мавзеъға нузул этди.

Бу замон Тошкандда насоро сардори иттилоъ товиб, //115^b чанд фавж лашкарини Худоёрхон тарафиға таин этиб, боз неча фавжи дигар лашкари насоро дарёйи Сайхундин ўтиб, бе муҳобо амири Бухоро тарафиға юриш қилдилар. **Байт:**

Кафофи нафс агарчанд андак аст вале,
Жаҳон ба теғ гирифтаган захмати олист.
[Нафсга кифоят қиладиган нарса кўп эмас, вале,
Жаҳонни тиф ила олиш катта азобдир].

Аммо Фарғона мардуми айтур эдилар: Ҳай дариғ, йигирма етти йилдан бери шаҳримизға ноиттифоқлик тушиб сартия ила кипчоқ ораси жангу жадаллар ўтиб, молу жонимиз талар бўлиб эмди осойиш кўрдик. Ўн уч йилдан бери насоро бирла кўп ғазоват айлаб, марди-мардонлик кўргузиб, кўп шаҳарларимиз кўлдан кетди. Бу маишатсурур, нисвонбоз, амир Музафар шўришлар кўзғаб, жонимизға ва Фарғона аҳлиға нотинчлик //116^a солди. Оқибат кор на ерга анжом топар экан деб, фикру хаёл қилур эдилар. Аммо у тараф лашкари Бухоро: – ҳазрати амирни лашкари тўқсон икки

туманларини куффорни ҳадди бўлурми садди роҳини тўсқай?! Лашкари куффорни сочи бор эмиш, улкун бизлар тақимға олиб, улоқ қилиб кетурмиз деб, лоф-қоф урур эдилар.

Бу жойда Фарғона тарихи кўп сахт муболаға кўргузиб, шикоят қилгон бўлсалар ҳам, камина очик ёзмай, мухтасари ишорат бирла ўтдим. Алқисса, лашкари Русия етиб, Бухоро лашкарига ҳамла қилди беҳиммат манғитлар андак дастбурди лашкари насорони кўруб, чунон мутафаррика бўлдилар. Шундай бе обрў қочишни ҳеч ким эшитмаган бўлғай. Тамоми аслаҳаи подшоҳи ва ғайрахум, лашкари насоро кўлиға тушди. //116^b Бухоро амири поричехралариға қарамай, либосларини ўзиға дар-бар қилолмай кўйлакчан отиға миниб қочди, – дедилар. Сана 1284 ҳижрияда, моҳи муҳаррамни еттилончи куни²⁹⁷⁷ бу беномуслик бўлиб, жангу жадалсиз: жонлари халқумлариға етиб, ўзларини Диззах еткурдилар. Абдулғаффорбек юз амирдан ажраб ўзини Ўратефаға еткурди. Бу хабарни Худоёрхон эшитиб, бо оҳиста қалъаларға истехком бериб, ёниб, дохили доруламора бўлди. Шауройи Хўқанд амир Музаффархонни фирорини бу тарика назм силкиға рақам чекибдурлар. **Маснавий:**

Чу шоҳи ба шоҳ Музаффар расид,
Шукўхе дар он хонадон кас надид.
Баёд ор он қавли санжидаро,
Бихон назми марди жаҳон дидаро.
Шукўхе намонда дар он хонадон,
Ки бонги хўрус омад аз мокиён.
[Шоҳлик шоҳ Музаффарга етгани замон,
Ул хонадон шавкатидан кўрмади ҳеч ким нишон.
Ул синовдан ўтган мақол сўзини эслаб кўр,
Жаҳон кўрган эраннинг назмини ўқиб, бил:
Сира шавкат қолмади ул хонадонда,
Мокиёндан хўроз товуши чикқан онда].

//117^a Алҳосил, сардори насоро, амири Бухорони корини саранжом бериб, сўнгра батарафи Хўжанд юриш қилди. Баъзи арбобу оқсоқоли Хўжанд на тарика бирла бўлса ҳам сардори Русия ила топишиб, забонларини бир қилдилар. Худоёрхон валиғми тарафидан Баҳодир хўжа ном *понсад* рўбарў лашкари насоро бўлуб, чандоне кўшиши жангу нангу номус барпо қилди. Бир тарафдан фуқаройи Хўжанд жанг айладилар. Шул вақтда баъзи мунофиқлар дарвозаи Хўжандни кушода этиб, бир тарафдан лашкари насорони дохили шаҳр қилдилар. Лашкари насоро дохили шаҳр бўлуб, қатлу китолға юз қўйди. Ул кун зиёда мусулмони Хўжанд, сағиру кабир, қиз жавон шаҳодат топдилар. Хусусан, мазори файз осор, Шайх Муслиҳитдинда 50-60 //117^b нафар кўру шал, ғарибу ғурабо гадолик айлаб, умргузаронлик қилур эдилар, бирор донаси саломат қутулмай, хатми адам бўлдилар. Айтурлар фуқаройи Хўжанддан ул кун икки минг олти юз хотун ва эркак даражаи шаҳодатға етиб, шаҳидлик майидан ло журъа нўш этдилар. Лашкари насоро тарихи мелодий сана 1866 да 22 сентябр, яъни мизон эди, Хўжандни тасарруфиға олиб, Қистакузни ўтуб забт этди. Андин кейин ёниб Ўратефа бориб, азими жангу набарддин сўнг, ҳокими Ўратефа Абдулғаффорбек, лашкари насоро дохили шаҳр бўлуши бирла фирор этди. Лашкари насородан ҳам ўлгани беҳад бўлуб, мусулмонлардан саккиз минг киши шаҳодатға етган деюрлар. Мақорини бу ҳол //118^a амири бухоро Сиддиқ²⁹⁷⁸ тўра Баҳодир ибн Кенасали тўра козоқ авлоди салотини Дашти қипчоқдур, они неча минг лашкарга *сардор* этиб, жанги насороға буюрғон эди. Абдулғаффорбек боруб кўшулди. Губурнатури насоро икки кун Ўратефада туриб, саранжом бериб, баъда ба тарафи Диззах юриш қилди. Диззахни жангу жадал ила олиб, Янгикўрғонга ўтиб юрди. Сиддиқ тўраи диловар зиёда марди мардоналик ила кўшиши жанг қилди. Охир Янгикўрғонни ҳам олиб, баъда ораға ошти солиб, Русия кўшуни ёнди.

Мақорини бу ҳодиса, Питирбуркдан бу жонибға вилоятини Хўқанд ва Бухородан ҳукумати давлати Русия кўлиға тушган эди. Ҳаммасига аёлоти //118^b алоҳида айлаб, волии Туркистон *амир*

²⁹⁷⁷ 1284 ҳижрияда, моҳи муҳаррамни еттилончи куни – милодий 1867, 11 май.

²⁹⁷⁸ Сиддиқ тўра, Тойчиқ тўра ва Аҳмад тўра – булар Аблайхонни катта ўғли Кенасари Қосимов (1792-1847) нинг ўғиллари бўлишган. 1837-1847 йиллар давомида Ўрта жуз хонлари ҳукуматини тиклаш учун Россия ва Қўқон билан кураш олиб борган. Сиддиқ тўра (1837 оламга келган) 1864 йилдан Шарқий Туркистонда Хитой ҳукуматига қарши курашда фаол иштирок этиб, Қўқонга қайтган. Акаси Арслон тўра билан бирга козоқларнинг дуғлат ва арғин уруғлари иштирокида Тошкент мудофаасида иштирок этган. 1865 йили Қашқарга кетган, 1867 йили Бухорога қайтиб амир Музаффар хизматида бўлган. 1868 йили амирнинг катта ўғли Абдумалик тўранинг отасига қарши курашига ёрдам берган. 1877 йили Бадавлат вафотидан сўнгра Қошғардаги Хитойга қарши ҳақракатларда қатнашиб, мағлубиятдан сўнгра Туркистонга қайтиб, 1888 йилдан Чимкент уездидаги Арис дарёсининг бўйларида яшаган.

лашкар этиб, Куафман²⁹⁷⁹ ном улуғ одамани оқ подшоҳ, яъни имфератори аъзами рус тайин айлаб юборди. Куафман келди, андок дами осойиш сўнгида беш минг лашкари насоро илк ба тарафи Самарқанд азми жазм кўрсатиб, роҳи бўлди. Амири Бухоро ахдномани орада бўлган эди, Диззах Русия ҳукуматиға таъллуқ, Янгикўрғон Бухороға дейилғон эди. Амир Бухоро элчи юбориб, сулҳни пеша тутса ҳам волии Туркистон баҳонажўлик қилиб, лашкари ила дарёйи Зарафшондан ўтиб, Самарқандни муҳосарасиға кўшиш этиб, элчини бе нили мақсуд ёндурди. Мардуми Самарқанд бу ҳолни мушоҳада айлаб волии Туркистон ила тофишиб, Самарқанд тухфа //119^a этдилар.

Амир Темур Кўрагонни пойтахти эди бо осони давлати Русияға муяссар бўлди. Волии Туркистонни хотири Самарқанддин жамъ бўлиб ба тарафи Бухоро отланиб равона бўлди. Катта Кўрғонда Яъқуббек турур эди, қалъани ташлаб кетди. Катта Кўрғон Самарқандға саккиз тош масофалик жойдур, Русия тасаллут қилди. Бу ходисалардин Шаҳрисабз ҳокими Бобобек²⁹⁸⁰ *фармончи* нойиби Жўрабек²⁹⁸¹ ила кенагас²⁹⁸² лилар воқиф бўлиб, етиб, андак жанг ёндилар. Ургут, Фалғар ва Масчо ҳаммаси Русия кўлиға ўтди. Зирабулоқда жанг этиб, Бухоро кўшуни забун бўлди.

Мақорини бу ҳол, қабойили мингия²⁹⁸³ ва хитой, қипчоғияи кенагаси Шаҳрисабзий, муттафик бўлиб, Самарқанд фатҳиға кўшиш этдилар, яқин эрди //119^a Самарқандни фатҳ қилғайлар, бебахтий Моварауннахра юз келтуриб, Зирабулоқдан лашкари Русия имдодға етиб келди. Тарих бир минг саккиз юз олтмиш еттилончи милодида, авсати саратонда амири Бухоро ила волии Туркистон орасида янгидан сулҳ воқеъ бўлиб, Русия тасаллут этган шаҳарлар Русия ҳукуматиға таъллуқ топиб, ошти бўлдилар. Бундан олти ой илгари Куафман бирла Худоёрхон валиғмини мобайнларига аҳду паймон анжом топиб, тижорат эшиги очилган эди. Ноиттифоқи, хунрези (ва) жанг харобии мамлакатдур.

Олам софи бўлиб ҳамма ўз кор бориға машғул бўлди.

Баъд аз чанд фурсат ўтуб амири Бухоро илтимоси ила Самарқанд губурнатури Абрамув²⁹⁸⁴ жанорол Самарқанд лашкарини олиб, //120^a жангу жадал ила Шаҳрисабзни олиб амир Бухороға топшурди. Ҳокими Шаҳрисабз Бобобек валиғми ибн Ҳакимбек *фармончи* нойиби ў Жўрабек *додхоҳ* ибн Қаландар *эшик оғаси* қочиб уруғ-аймоғлари бирла бо ҳамроҳии бола-чақалари Хўканд худудиға келдилар. Бу ходисадин Худоёрхонға хабар етиб, одами муътамад бирла саруполар юбориб деди: – Сизларни сақламоқға маъзурмиз, неча кун осойиш этиб турсаларингиз меҳмондорлик қиёмини бажо этурмиз. Қошғар ўтсаларингиз сизларга ва бизларга хайрли бўлғай. То худуди Қашғар истидбор қилурмиз дедилар. Жавобиға Бобобек бирла Жўрабек дедилар бизлар амир Бухородин ҳазар қилиб, жанорол Абрамуфға ўзимизни асир этмай бу ён келдик. Хони замондин тавқимиз шулки, //120^b Тошкандда турғучи волии Туркистон Кауфманға бизни тарафдан аҳди-омон кўргузиб, хони замон ораға тушуб, Кауфманға сипориш қилғайлар, зероки, асирларни Русия давлати ўлдурмаслигини борҳо эшитганмиз, чунончи тоифаи тотор ва черкес ва ғайриҳум Русия кўлиға тушиб тарбият кўргандурлар, бизларни маслаҳатимизни мундан ўзга чораси йўқдур деб таржих этиб, маърузға еткурдилар. Хони салимдил илтимоси волии Шаҳрисабзни қабул шарафиға олиб, нойиби Жўрабек ила кўшиб элчи билан моятож сафарни илтифот айлаб ба тарафи волии Туркистон ирсол қилди. Бошқа ҳамма акрабосини ўз давлатидан марҳамати шоҳонаси бирла мамнун этиб, жой тайин айлаб, сарафроз қилди. //121^a Султон Муродбек биродари айниси ҳокими Марғинон эди. Андижон ҳокимлигини катта ўғли фарзанди дилбанди Саййид Насриддинбекға марҳамат қилди. Баъда хони

²⁹⁷⁹ Коуфман, матнда Кофман – К.П. Кауфман (19.2 (2,3) 1818-4(16) 5.1882. Тошкент). рус ҳарбий муҳандис-генерали, генерал-адъютант(1864). 1867 йилдан Туркистон ҳарбий ҳавзасининг кумондани ва генерал-губернатори. Қўқон (1874-76), Бухоро (1868) ва Хива(1873)га қарши уюштирган босқинчилик юришларга раҳбарлик қилган.

²⁹⁸⁰ Бобобек парвоначи Ҳакимбий ўғли – 1872 йилгача Китоб беклигининг ҳукмдори.

²⁹⁸¹ Жўрабек додхоҳ Қаландар эшик оғоси ўғли – 1872 йилгача Шаҳрисабз беклигининг беки. Тошкентда рус генерал-майори унвонида бўлган ва 1906 йили Қаросувдаги ҳовлисида фожиали тарзда ҳалок бўлган.

²⁹⁸² Кенагаслар – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Хоразм, Бухоро вилояти, Фарғона водийси, Қорақалпоғистон ва Шимолий Афғонистонда яшаган, таркибида бир қанча кичик қабилла ва уруғлар бўлган. Булардан энг йириклари очамайли, кирей, абак кирей, овоқли, тарокли, чуют, қайри соли ва ҳ. Шаҳрисабз ва Китоб атрофида ҳукмрон қабилла бўлган.

²⁹⁸³ Шерноиб – Генерал Михаил Григорьевич Черняев. (1828.21.10(3.11) -1898.4(16)).8, Тубишки қишлоғи, ҳозирги Беларуссиянинг Могилёв вилоятида оламга келган рус мустамлакаси ҳарбий арбоби, генерал-лейтенант (1882). Дворян оиласида туғилган. Ҳарбий академияни тугатган (1853), Қрим ва Кавказ урушларида қатнашган. 1864-65 йилларда алоҳида Ғарбий Сибирь отрядига қўмондонлик қилиб Қўқон хонлигига қарашли Авлиёота, Чимкент ва Тошкентни босиб олган ва Россия империяси таркибида янги ташкил этилган Туркистон области ҳарбий губернатори этиб тайинланган. Тошкент Россиянинг кейинроқ Ўрта Осиё хонликларини босиб олиши учун таянч пунктига айлантирилган. Мансабини суиистеъмол қилгани учун 1866 йили истеъфога чиқарилган. Черняев Тошкентни босиб олишда ҳам, губернаторлик фаолияти даврида ҳам Россия ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини изчил амалга оширишга ҳаракат қилган.

²⁹⁸⁴ Абрамуф/Абрамов – рус генерали. Самарқанд округи губернатори бўлган.

замон иккинчи фарзанди Саййид Муҳаммадаминбек, учинчи фарзанди Саййид Умарбек ном икки шахзодаи аржуманди учун Фарғонани ойинабандлик айлаб нечанд куну ой ғарибу ғураболарни тўйғазиб, тўйи шоҳонани саранжом бериб, «Жаҳон оро» ўрдада хатналарини қилиб ўткарди. Баъд аз фироғи тўй Шерали бий ибн Муҳаммад Шариф²⁹⁸⁵ оталиқни лашкари зафар асар бирла Қоратегин юбориб Дарвозғача фатҳ айлади. Дарвоз шоҳини қизи нодираи даврон, оқилаи замон эди, тўйи шоҳона султони ақдиға киргузди. Насруллоҳбек мулаққаби Ўрмонбек андин вужудға келиб, //121^б ул гавҳари гаромояни таваллуд қилғони сўнгида у солиҳаи замон оламдин ўтди. Шуғнон шоҳини қизи ҳам хони замонни никоҳига кирди. Қошғар чуконини авсофи ҳамидасини хони замон эшитиб, ҳавас айлаб Ўшдан олдуриб келиб хони замон они никоҳига олиб, андин бир қиз вужудға келиб, нобуд бўлган эди. Мулаққаб Ўрмонбек ном шахзода етим фарзандини тарбиятини Оғача ойим хотутиниға ҳавола қилди. Баъд аз фироғи бу кору бор хони замон Хўқанд ўртасиға растаҳои бозор ва саройи калон ва саройи каффон бино айлади. Шуаройи Хўқанд тарихиға қалам чекдилар. **Таърих:**

Растаҳои бозору саройи калон,
Ва саройи пунба ва каппон.
//122^а Шоҳи диндори маъдилат кирдор,
Бахт феруз, майманат осор.
Фуқаропарвар масокин жуй,
Мушфиқи уламо, шаҳи диндор.
Аз падар то падар ба тахти шаҳи,
Бинишаста ҳамма ба ин кирдор.
Гуҳари ту зи кони султоний,
Жавҳари асл эй дурри шахвор.
Аз бани Шахрухий дар ин авранг,
Мисли ту шаҳ надида ин дарбор.
Онки бар ту мекард бе одобий,
Адабаш дод ҳазрати Қахҳор.
Бар андеш дар ҳулҳило,
Дар хаёле оварад ба ту аҳрор.
Сари он шумро бибардорад.
Аз каж андеш доштаи хунхор.
Он ки аз лутфи ҳақ азизи ёфт,
Душманонаш шаванд бешак хор.
Маълум аз номи ин шаҳи диндор,
Шуда имдоди ҳақ ба ин шаҳриёр.
Мадҳи авсофи шоҳро гуфтан,
Пансад сол бошад умр бар ор.
Аз ҳазорон яке ба зўри забон,
Карданд итмоми он шаҳ ҳаст ҳушдор.
Шаҳи тождори Фарғона,
Ёдгори шаҳони олий табор.
Тожи шоҳий ҳамеша бар сари ту,
Зийнат афзойи домаҳу фи-д-дор.
//122^б Тобиши давлати ту дар сари мулк,
Кам нагардад чу меҳр нисф ун-наҳор.
Сари ин мулкро ба пояйи чарх,
Нур расонди ба зийнати бозор.
Буд бозор як шабхона,
Лутфи ту карда растаҳо гулзор.
Растаҳойе ки ҳамма хулд ойин,
Дар шукуфт ҳамчу гул ба фасли баҳор.
Соҳиронро муаттар аст димоғ,
Ва зи атри дакокини аттор.
Ва зи жавонон хў бурди латиф,
Сурма аз хур бурда дар гуфтор.
Кардаанд он ҳамма дакокинҳо,

²⁹⁸⁵ Муҳаммадшариф отолиқ – 1842 йили қатл этилган хонликнинг улуғ саркарда ва давлат арбобларидан.

Мисли гулҳо шукуфта дар гулзор.
Боз дар жавфи ин саройи сағир,
Манзари хужраҳо ҳамма дарбор.
Ин ажабтар ки як саройи кабир,
Хонаҳо чун хазина аст пурбор.
Дурусташ карда низ пунба сарой,
Маа каппоне мисли вусъат дор.
Гайри ободии вилоят нест,
Бар замири шаҳи вилоятдор.
Инак номии ин билоди мурод,
Аз саройи дакокини гулзор.
Ҳама шаҳрҳо бо ин тартиб,
Кард ороста шаҳи аброр.
Яке аз нодири каромот ин,
Эй зарифон, ба хирадии хушёр.
Ин биноҳо ки гашт мустаҳзар,
Ҳама дар ним сол шуд изҳор.
//123^a Асароти вилояти хон аст,
Омада дар вуқуъ ин ҳамма кор.
Гар бикарди хавонини мози,
Зи иморати қаср ё бозор.
Норасиди бино ба такмилаш,
Ногузашта зи сол моҳи чаҳор.
Он бино боз монда аз пешин,
Назди инҳо муносиб заркор.
Боракаллоҳ ба хони шинос,
Монда дар сар надими коргузор.
Ки кунад кор мисли муздурон,
Кор фармое ки шавад саркор.
Вақти гуфтани сухан ба коргарон,
Чун падар карда шафқат истиҳзор.
Ҳайрат оварда халқ ин ҳамаро,
Ҳамчу ойина дил ки бе зинҳор.
Инчунин хосият ки маълум аст,
Ин ҳамма аз хавоси хони кибор.
Васфи хони замон, шоҳи жаҳон,
Кай тавонад касе яке аз ҳазор.
Ман писари ғуломи ҳалқа ба гуш,
Доии давлат аст, маа ҳисор.
Хост аз сари ин иморатҳо,
Соли итмом то кунад изҳор.
Бар ман ҳамчун бигуфт пири хирад,
Акнун эй партави йумни хушдор.
Инчунин аст бинои таърихаш,
«Чаманистон ба зийнати бозор».
[Бозор расталари-ю, катта сарой,
Пахта-ю каппон сотиш учун омбор.
Барини қурдирди ул шоҳимиз,
Ки эрур диндор, адолат кирдор.
Бахти ғолиб, саодатга толиб,
Фуқаро севар, мискин парвар.
Уламога мушфиқ, шаҳи диндор,
Отодин ота тахт узра барқарор.
Ўтирар бу барча хислатга кон,
Гавҳари султонлик конидан.
Асл жавҳардир, бу шоҳвор дур,

Бани Шахруҳий наслидан эрур.
Ўтирар экан тахт узра устивор,
Бу сарой кўрмаган унингдек шоҳ.
Унга ким одобсизлик этса изҳор,
Ул бебошга жазо берди, ҳазрати Қахҳор.
Бошига тушса ёмон хаёл дарди,
Бошидан арит, эй ҳазрати Жаббор.
Шум бошини эса дорга ошно қил,
Тўкмасин бегуноҳ қон ул хунхор.
Ҳақ лутфидан бахтиёрни ўзинг асра.
Душманлари бўлсин тору-мор.
Бу диндор шоҳ номидан аёндир,
Ҳақдан мадад топгани бу шахриёр
Шоҳ васфини айтмоқ учун билсанг,
Яна беш юз йил умр бўлур даркор.
Мингдан бирини айтай деса бу тил,
Тугамас мадҳидан ози ҳам зинҳор.
Фарғонанинг бу тождор шоҳи,
Олий насабли шоҳлардан ёдгор.
Шоҳлик тожи ҳамиша бошини,
Безасин, умр берсин дунёда пойдор.
Давлатинг порлаши юрт боши узра,
Турсин пешин қуёшидек нурдор.
Фалак остидаги бу мулк бошига,
Бозор зийнати билан нур сочдинг.
Бозор илгари бир тундек зим-зиё эди,
Қилди дутфинг расталардан гулзор.
Бу барча расталар жаннат қоидали,
Очилди гуллаб-яшнагандек баҳор.
Жоду кўзлилиар димоғи муаттардир,
Атторлар дўкони сари топса гар бор.
Ёш-яланглардан латифлик ўмардинг,
Сўзингда ҳур сурмаси жилоси, Аттор.
Булар бари дўконларни айламиш,
Мисли гуллари очилган бир гулзор.
Кичик сарой-омбор ичидаги ҳужралар,
Кўринар чин саройлардек шавкатдор.
Шуниси қизиқ, катта саройи ичидаги,
Хоналар гўё ганжли хазинадек пурбор.
Пахта саройини ҳам қурдирди шоҳ,
Каппон омбори билан бирга ёнма-ён.
Вилоятдор шоҳ кўнглида йўқдир,
Вилоят ободлигидан ўзга ташвиш.
Мана бу мурод шахрининг номи,
Дўконлар саройидан бўлди гулзор.
Барча шаҳарларни шу тарбиб ила,
Қилди ораста бу шаҳаншаҳи аброр.
Нодир кароматдан намунадир бу,
Эй нозик таъб, зукко, аҳли хушёр!
Бу бинолар бари қад кўтариб, шу,
Ярим йил ичида бўлди намудор.
Бўлмаса бино битарми бир йилсиз,
Ўтмай тўрт ой булар қатор-қатор.
Эскидан қолган бинолар ҳам битди,
Муносиб бўлиб янгисига тезкор.
Офарин, иш кўзини билгувчи хон,
Ҳар иш бошига қўйди бир тадбиркор.

Жондан ишлайдиган иш буюрувчи,
Саркор ўзи, аммо худди мардикор.
Ишчиларга иш буюрмоқда сўз-ла,
Оталарча қилар шафқатини изҳор.
Ҳайрон бунинг барига халқ, гўё,
Ойнага боққан тўти, этмай сўз изҳор.
Бу хосиятнинг барчаси аён эрур,
Унинг боиси эмасми хони кибор.
Замон хони, жаҳон шоҳининг васфи,
Тугарми айтган билан мингдан бирини якбор.
Мен барча хизматга шай ғуломваччамен,
Давлат дуоси-ю, қалъаси олқишига тайёр.
Истадим бу иморатлар таъриhini,
Қилгали қулиши санасин изҳор.
Деди менга ақл пири шунингдек,
Баракати нури бахтидан, эй хушдор,
Қурилиши таърихи ушбу турур:
«Бозор зийнати билан чаманистон»²⁹⁸⁶.

Бар замойири арбоби хирад ва дониш, возиҳ ва лойиҳ ўлғайки, //123^б «чаманистон ба зийнати бозор» тарих тушгандур.

Хони замонни марҳум волидаси Жарқин ойимни номи Ҳоким ойимға иттилоъ топиб машҳур бўлубдур афифаи замон эди, фавтидин муқаддам фарзанди Худоёрхон валиғмиға васият қилғон эди. Хони замон онасини васиятини тутиб масжиди жомеъни шарқий тарафиға онаси номиға бир мадрасаи олий бино қилди. **Тарихи мадрасаи Ҳоким ойим.**

Хон зи адл мураббии фуқаро,
Соҳиби тож ва аъзами кубаро.
Аз жулусаш ки ёфт тахт шараф,
Ҳам замин то ба гунбази воло.
Даме фориғ набуда аз кўшиш,
Аз мадорису масожид ва саро.
Ҳоким ойим ки буд модари шоҳ,
Маряи соний, дуввум Соро.
Гуфт ба шаҳ ки нури чашми мани,
Лутфи Эзид шавад паноҳ туро.
Ҳар чи аз давлати ту ёфтаам,
Ончи аз жинсу мол аз ҳамаро.
//124^а Бар қудумат нисор кардам ман,
Ҳар чи хоҳи куни ту кун онро.
Шоҳ аз жўши шафқати модар,
Гуфт: кардам қабул ризои туро.
Кард амал бо васияти модар,
Оқибат кард сарфи хайр даро.
Баъд аз фавти модар андак рўз,
Нагузашта бинои мадрасаро.
Тарҳ дар сахни шарқии жоме,
Буд ашраф некўтаре ғабро.
Шаҳ биандохт пойдевораш,
Решаашро ки то бахти туро.
Ин бино ёфт ҳамчунон тартиб,
//340^а Рафт то қуллааш ба фавқи хаво.
Пештоқи равоқ кунанд авҳам,
Сипари кард ба гунбади хазро.
Баъди такмили он бинои бузург,
Гуфт аз таъби худ як аз зурафо.

²⁹⁸⁶ «Чаманистон ба зийнати бозор» сўзлари таърих моддаси(1284/1867-68) бўлиб келган.

Инчунин Ниёзий²⁹⁸⁷ таърихаш,
Гуфт бар ман ки «мазҳари уламо»²⁹⁸⁸.
[Хон адолатда фуқаро мураббийси,
Тож соҳиби-ю, улуғлар муаззами.
Тахт унинг ўтиришидан шараф,
Топди ҳам ердан то олий гунбаз.
Сира тинчимиган ҳаракатдан,
Қуриб мадраса, масжид, саройлар.
Ҳоким ойим эрди шоҳ онаси,
Иккинчи Марям, иккинчи Соро.
Деди шаҳга: кўзимнинг нури ўғлим,
Худо лутфи бўлсин паноҳ сенга.
Не бўлса топдим сенинг давлатингдан,
Буюм, мол бариси сенинг шавкатингдан.
Айлай қадамингга нисор бугун,
Не қилсанг барисини ўзинг бил.
Шоҳ она шафқати жўшишидан,
Деди: ризолингни топай не десанг.
Қилди она васиятига шоҳ амал,
Этиб барисини хайрли ишга сарф.
Озгина ўтгач она вафотидан,
Мадраса биноти тарҳини Жоменинг,
Шарқий саҳнида этмакка киришди.
Бу ер шаҳарнинг энг текис юзи эди,
Шоҳ шу ерга ташлатди пойдевор.
Бу бино томир отиб ул манзилга,
Бўй чўзди осмон чўққисигача.
Равоқ пештоқи эрур хайбатли,
Ўтди кўк гумбаздан ҳам юқори.
Ул шукуҳли бино охирига етгач,
Зарифлардан бири деди таърих,
Қилиб менга дилдагини баён:
Таърихидир: Уламанинг йиғингоҳи.

Махфий қолмасин «Мазҳари уламо» тарих тушубдур²⁹⁸⁹. Иккинчи тарихини «Маъдани фузало кони илм» товибдурлар²⁹⁹⁰.

²⁹⁸⁷ Ниёзий – Ниёзмухаммад ибн Ашўрмухаммад Хўқандий, шоир ва тарихчи. “Ансоб ус-салотин ва таворих ал-хавоқин” асарининг муаллифи.

²⁹⁸⁸ Тарих санаси 1287/1870 дир.

²⁹⁸⁹ Тарих санаси 1287/1870 дир.

²⁹⁹⁰ Иккинчи тарихни Авазмухаммад Аттор келтирган:

Гавҳари тарихе ки ман суфтам,
Рў неҳ лойиқ гаштам ба риштаи илм.
Эътимод ба айбпўшии худ,
Кардам ба хирадони соҳиби илм.
Аз хатопўшии шаҳи воло,
Кардаам ман умед бо дили ним.
Ман зи васфи бинои кўҳ мисол,
Ҳамчу гар сар аст ман заиф чу кирм.
Натавонам зи бузургии васфаш.
Ин биноро чун кўҳи Қоф аст ҳарим.
Таърихи дуввум ақл ҳамчун гуфт,
“Маъдани фузало ва кони илм”.

Мазмуни:

Мен тешган таърих гавҳарини,
Илм тизмасига лойиқ кўрдим.
Айбимни ёпишда боғладим умид,
Соҳиби илм ақллари лутфига.
Олий мансаб шоҳ ҳам кечар,
Гуноҳидан бу ярим кўнгиллининг.
Мен тоғдек бинонинг васфини,
Қандай этай адо мен бир ҳашорат.

Худоёрхони валиғми доруссалтанат Хўқандни ўрта ериға шаҳарни қуруқ //124^б лик баландлиғ жойиға бир арк, қасри олий бино қилди. Муҳаммадалихон шаҳид «Қирққиз» ном қаср солган маконни ёни эди. Ани мадҳ ва қасидасини қалам силкиға тортиб, шуаройи Хўқанд тарих бойлабдурлар. **Таърих:**

Туйи ки зубдаи шоҳони мулки Турони,
Гарди пойи ту зебандаи тахти султони.
Шаҳони мулки Ажам дар рикоби ту бидаванд,
Ба роҳи бандагиат чун ғуломи эрони.
Ғубори сумми саманди ту сурмаи чашм,
Кунанд тождорони Ироқу Турони.
Ба ҳукмронии олам туи мусаллами кулл,
Ба юмни адли ту кам шуд зи мулк вайрони.
Чу нақши ойина зебанда гашт Фарғона,
Гирифт роҳи тамошои чашм ҳайрони.
Зи табъи анвари ту қасри осмон рифъат,
Кушода домани вусъат чу арш майдоне.
Чу фоқи лангари кишти арз дар камоли виқор,
Шуда аст сар ба фалак суда тоқи айвони.
Чи ғўям аз сифати хонаҳои рангинаш,
Нуқушҳо ки пур аз сунъи лутфи яздони.
Ҳазор сол ба тавсифи қаср агар кўшам,
Муяссарам нашавад аз ҳужуми нодони.
Бақои давлати умри ту бод чандин қарн,
Бар ин сар бар муалло Искандари сони.
Бўи гулшани такмили қасри боғи Ирам,
Димоғи ақл шикуфт чун гули баҳорони.
Жустужўи таърихи майманат осор,
Хирад шунид, бигуфт: «Шаҳнишини гулистони»²⁹⁹¹.
[Сенсан Турон мулки шоҳларининг қаймоғи,
Оёғинг ости чанги султонлик тахтининг безаги.
Ажам мулкининг шоҳлари югуришар узангинг остида,
Бандалигинг йўлида худди эронлик қулларга ўхшаб.
Самандинг туёғи чангини кўзга сурмадек,
Суртар тўтиё қилиб Эрону Турон тождорлари.
Олам ҳукмронлигига сенсан мутлақ даъвогар,
Адолатингдан йитди буткул юрт вайронлиги.
Ойна нақшидек безовчи бўлди мулки Фарғона,
Йўлингда ҳоким эрур фақат кўз ҳайронлиги.
Нурли кўнглинг туфайли осмон бўйлик қаср,
Кенглик этагини ёйди арши аълодек майдонда.
Кема лангаридек виқор ила ташламиш ёнбош,
Айвон тоқи бошини эса етказиб осмони фалакка.
Не дейин рангин хоналари сифати баёнида мен,
Нақшлари худо лутфининг санъатига бойдир.
Минг йиллаб тиришсам қаср тавсифига агар,
Муяссар бўла олмасман нодонлигимдан ахир.
Умринг давлати бақолиги бўлсин яна кўп аср,
Шу юқори тутган бошинг-ла, эй Искандари соний.
Эрам боғи қасрининг етук гулшани таровати,
Очди ақл димоғини баҳор гуллари сингари.
Бахт аломатли таърихини излаб, ақл,

Кўтара олмасман васф юкини,
Чу бу бино ҳарами ғўё Кухи Қоф.
Иккинчи таърихини ақл топди:
“Фузало маъдани ва илм кони.”

²⁹⁹¹ Тарих санаси 1287/1870-71 дир.

Эшитди дегач: Гулистон шахнишини.

Возих улғайки «шоҳнишини гулистони» моддаи тарих воқеъ бўлғандур²⁹⁹².

Асли бу жойни бониси Ҳожихони шаҳид, жадди бузруквори хони воломақомдир].

Тарихи дуввум.

Афзали жумла макон, ашрафи мажмуи билод,

Мулки маврусии султон аз аждод.

Сар зад накхати гулҳои бихишт аз чаманаш,

Гўйе олами имкон шуда жаннат обод.

Хоки ў мушкин ва дар сахни ҳаво анбар без,

Ҳамма гулҳои Ирам сар ба ҳавас дод ба ёд.

//125^б Ҳама қасреки дар ин гулшани зебо ороғ,

Шудааст номи қусурони хавонин барбод,

Фалак аз баҳри тамошо қадӣ худ кам карда,

Чашм аз ахтари хуршед ба гирд бикшод.

Чуз тарихи қасри чаманнишон хотиф,

Баҳри итмом ба ман «бо чаман манзар дод».

Бу замони тавамонда хони волосифот, олий даражот, манба ал-баракот аз барои нафъи ислом ва имдоди хосу ом дарёи Сайхундан алтофи ҳоконий ва йумни султоний бирла жўйи Кавсармаол чиқоруб, оламини сарсабз ва хуррам, жаҳонни баҳр ул-ҳаёти пурнам қилиб ба чанд қария ва қасаба шаҳарлар бино айлади. Тарихи мадҳ ва қасидасини туркий тили бирла хони Доро назирни //126^а ўз забони фасоҳатосор ва зарборидин адо қилибдулар. **Тарихи Улуғнаҳр:**

Бихамдуллаҳ манга султони акбар,

Бўлуб ходи ўзи ҳам шаръ раҳбар.

Қилиб бошимни тож ила сарафроз,

Менга лутф этди тахт устида довар.

Менга ходи бўлуб лутфи худованд,

Ки обод ўлди саъйимдин ҳамма шаҳр.

Биёбон аҳлиға шафқат учун ман,

Ки сахроларда қоздурдим неча наҳр.

Чиқордим бир ариғ дарёи Сирдин.

Ариғ, балким демай монанди бир баҳр.

Суви ҳайвон сувидек келди жонбахш,

Ки бал ҳайвон суви олдида шашдар.

Ки ул жаннатдин ўлди асл сахро,

Ки андоғ салсабил янглиғ матҳар.

Умидим булки хосият бу сувдин,

Тофиб сахрода шаҳр ўлғай мусаввар.

Шаҳар андоқки бўлса минг маҳаллот,

Маҳаллотида минг масжиду минбар.

Аз он масжиду минбар узра айтса,

Малоик самъиға «Аллоҳу Акбар».

Шаҳодат берса минбар узра муаззин,

Ки берса нафли исботин қилиб жаҳр.

//126^б Муҳаммад тангрини дурким Расули,

Деса Тангриға шоиста паямбар.

Бино бўлса мадорис хонақоҳ кўб,

Ки илми ҳол ила ҳол анда мазмар.

Бу умедила дарёдин чиқордим,

Улуғ наҳрим ул дарёи ҳамбар.

Хирадга дедим эй сайқалгари дил,

Сан эт тарих миротин мунаввар,

Хирад равшан қилиб табъим чароғин,

Деди хон англағ номи «Улуғ наҳр»²⁹⁹³.

²⁹⁹² Бу шеърда “шаҳнишини гулистоний” сўзлари таърих моддаси бўлиб келган. Чунки, қаср гулистон ўртасида жойлашган.

²⁹⁹³ Тарих санаси 1287/1870-71 дир.

Таъби мавзун тақозот ила ҳазрати хондан зуҳурга келмиш Улуғ наҳр тарихини пайравлиға шуарои Хўқанд муболаға кўргузуб тарихлар бойладурлар. **Тарихи дуввум:**

Дейин лашкар ангаким Халлоқи довар,
Бу элга берди бир моҳи музаффар.
Ки шоҳлар дуржидин бир гавҳари пок,
Келиб оламға берди зеб афсар.
Кудумидин тофиб авранг зийнат,
Шарафлик бошидин аклил аҳмар
Шаҳар Фарғона қасри тофди андин,
Ҳаво авжида андоқ чархи аҳзар.
Демай Фарғона қасри сахни ҳомун,
Зумуррадгун турур туфроғи гавҳар.
//127^a Чикорди баҳрдин наҳреки андоқ,
Эрур арози анинг дарёға ҳамбар.
Бўлуб мажро суви тилло сувидек,
Ичиб ер сатҳи бўлди қизил зар.
Қизил зар демагин билким зумуррад.
Жавоҳирдин берур бул баҳрдин бар.
Ичиб дарё сувидин бўлди сероб,
Биёбони атшда ташналаблар.
Демай сувиви бу ҳайвон сувидур,
Ким ул барча суви ер узра бу наҳр.
На афсофини тил деб тугатгай,
Сифатда келди ул дарёи беқаър.
Балоғат бирла тил билса юз тил,
Тугатолмай қолур васфида музтар.
Нечук васфини қилдунг эй пир,
Эрурсан бир хас дарёйа бе бар.
Шаҳи волоғухарни сен дуосин,
Дилингда қил хафий тил бирла қил жаҳр.
Фасоҳат бирла шаҳ тарих адосин,
Қилиб сочти оғзидин дурру гавҳар.
Замир олур зардин бўйла машкуф.
Бўлуб тарихини деди «Улуғ наҳр»
Иккинчи йил туганса интиҳоси,
Ки албатта бўлур оти ба «Улуғ наҳр».

Хони саховатпеша султони ато андеша мадрасаи олий ва дахмаи //127^b мутаъоллий, қасру-л-амораға бино қилғонини мадҳида дебдурлар. **Қасида:**

Зи жуди соҳиби амлоки манбаъ ул-баракот,
Зи ҳар кудум бижўшида чашмаи ҳасанот.
Ба асри майманат осори фархунда,
Дар ин билод халоиқ зи ғам ёфт нажот,
Зи жуди баҳши шоҳи замона сафҳаи мулк,
Ба юмни ҳиммати беғоя шуд ҳазор хайрот.
Биной мадрасаи хос, дахмаи олий,
Зи шаҳ биёфт бар сари ум ул-вараот,
Чи гўяд аз сифати биной олишон,
Хирад ба жуз муқаррар зи баландии даражот.
Зи сахни хулди сараш жо сари арш,
//128^a Фуюзи нури калом ва шарофати мишкот.
Саҳоби раҳмати Ҳаққ дар ҳавои ин равза,
Ба вақт бар сари марҳумиёни ин равазот.
Насими мағфирати Ҳаққ вазида то доми ҳашр,
Зи ҳар футуҳ шуда дар жаннот,
Зи акси гунбази нуронии сафо кешаш,
Биёфт шарм фалак ҳамчу сайқали мирот.

Малак ба дарс шунидан шуд аз фалак нозил,
Мисоли фирқаи талаба бар тафҳизи калимот.
Кушодаанд малоики ҳамма афлок,
Зи баҳри накҳати ин равзаи баланд даражот,
Уружи нури калом ва ҳаққи масоили дин
Ба шавқи арш бикард аз мақом бар шарақот.
Фуюзи анвари ин ҳамчу партави меҳр,
Биёфт бар сари олам зи касрати салавот,
Шуд аз таважжуҳи шаҳ ин мақоми пуранвор.
Ба ҳоли қоли муаззам мушарраф аз даъавот.
Ба кашфи қалби санавбар бар ройи султоний,
Нишонд бар сари сажжода ҳалқаи ҳазарот.
Сараш ба тож мудом ва муқирр ба тахташ бод,
Илоҳи ҳурмати «Фурқон»у «Далоли ал-хайрот».
Ба ҳаққу ба ҳурмати лутфу карими худ,
Ҳамеша давлати шахро ту кун ба фавқу сабот.
Зи баҳри ин ду бино гў хирад ту як тарих,
«Ки афзали ҳамма хайрот кули эҳсонот»²⁹⁹⁴.

//128^b Қаландархонаи қадимини хони замон идгоҳ айлаб, масжиди кўхпайкар бино қилғонини шауройи Хўқанд тарих бойлабдур. **Таърих:**

Эй давр кун ба ду айн,
Сар кун ту ба мардум чашмайн.
Ин чунин даври майманат осор,
Баҳр ноида аст дар қарнайн.
Бар шуд олам зи жўшиши ҳасанот,
Аз руқуми кироми ал-котибайн.
Равшани бахш ҳамчу меҳру моҳ,
Адлу инсофи ў шуда шамъайн.
Адлу эҳсони хон зи баҳри халқ,
Гашта жори чу мажмаи баҳрайн.
Идгоҳе ки монда аз душон,
Бувад он ду хони қарин амакайн.
Вориси ҳар ду шоҳ хони замон,
Ҳама хушнуд то ба зу-л-қарнайн.
Хони воло зи касрати хайрот,
Кард ҳосил саодати сақалайн.
Аз иморати сахни ў орий,
Бувад ин гирди иморат бар зайн.
Вусъаташро бикард ду чандон,
Баҳри иду намози аёмайн.
//129^a Вусъаташ аз шимол то жануб,
Аз тақобил бурун на ду ҳарамайн.
Ғарбий ва шарқияш ба пойи чашм,
Дар масофат ба мададу назарайн.
Жамъ аз ғайри мардуми ин шаҳр,
Шаванд ба расид ба ду саффайн.
Сақф бар сақфи осмон ҳамбар,
Назари ожиз бубин меҳробайн.
Устунҳо ки ҳамчу қади минор,
Сар кашида ба сақф ҳар тарафайн.
Вусъаташ дар назар чунин маълум,
Бигунжад варо ду сад саффайн.
Ман ба чашми ақл аз итмом,
Гуфт ў соли жомии идайн.
Тарихи ин бинои олийшон,

²⁹⁹⁴ Тарих 1287/1870-71 санани беради.

Мункашиф шуд зи «махзари кавнайн»²⁹⁹⁵.

Жаноби хони замонни бародари айниси Султон Муродбеки саховатпеша оғоси хоқони замон, амири даврон, яъни Саййид Худоёрхон баҳодир валиғми халладаллоҳа мулкаҳу ва султонаҳу зода умраҳу ва салтанатаҳудан ижозат олиб чорсуйи Хўқанди латиф ва мадрасаи оли ва зебо бино қилғонини шуаройи //129^a Хўқанд тарих қилибдурлар. **Таърих:**

Васфи бинойи рафъатойин,
Бар ба таҳ ин, ки аз торам гузашти.
Бинойи мадраса Султон Муродхон.
Би кард дар чорсў некў сиришти.
Зи файзи шавқи дарёи фатонат,
Саодат жўш зад аз хоку хиште.
Ба рифъат ин бинойи арш поя,
Ба фавқи арз чун курси нишаст.
Чу гунбазҳо мисоли осмонҳо.
Мусаффо ҳамчу ойна зурушти.
Ки аз тахти улуми жўши туллоб,
Ба ҳар дам мезанад мавжи бихиште.
Ба ойини малоҳат гар гунбази тахт,
Бидорад оламон жоиз дурушти.
Дар тарихи ин сифат гуфт ақл,
«Ба дарёи улуми фикҳ кишти».
(Охирги мисра) кулан тарих тушгандур²⁹⁹⁶.

Хони замон бир канизаки жорияси иккинчи ўғли Муҳаммад Аминбекни волидаси хизматиға маъмур этди. Андин бир ўғул вужудға келди. Отини Ибн Аминбек қўюлди. Бир мунча замон ўтуб муқаллаб Ағоча ойим //130^a заифаси бир ўғул таваллуд айлаб номи Фансуруллоҳбек ўлди. Бошқа неча адад қизи бўлуб кулан жорияларидан эди. Руссия қонунида «незакунний сен», «незакунний ружи» десалар ҳам бизни мусалмон шариатида онаси мулқият бўлуб меросға қўшулмай фарзанди меросға ворис ўлғон сабабли «закунний» фарзанд авлоддур. Аммо Ибни Аминбекни онаси ба тариқи мурувват Саййид Муҳаммад Аминбекни ионат ёрдами бирла дохили мерос бўлғондур. Ҳоло Ибни Аминбек номидан чиқуб Ибни Яминбек номи ила машҳурдур. Жаноби хони дурандеш замонни ҳолини мушоҳида айлаб фикри амиқ ва хаёли дақиқ бирла аз рўйи таҷриба Фарғона музофотини низому қоида, қонунға олиб яроқу аслаҳаларини тузатмоқға яхши мактаб ва зобудлар бунёд //130^b бўлуб халқни фикрини очмоқ нияти ила Саййидхон Ҳожи тужжорни кўб дунё пулу ахчалар беруб, Истанбулдан тўпу милтиқ қилодуркан мошина, зобут асбоблари, мактаблар учун яхши китоблар ва расолалар ва ани ўқутуб таълим бермоқға Истанбул мактабларида таҳсил кўрмуш хирадманд муаллим йигитлар келтурмоқға буюрди. Аммо шухрати Маккаи мукаррамаға бориб жой олиб така соладур деб овоза қилдилар. Саййидхон тужжор Истанбул борди. Оғо Абдурахим Афанди ибн Абдулазиз афанди ила тофишуб хони замон буюрган нимарсаларни тамом мукамал айлаб сотуб, олиб мавжуд қилди ингриз ичи бирла Бадахшон утуб Қошғар бирла Фарғона ошируб тушурмоқға оғо //131^a Абдурахим афанди мутасаддий бўлуб равона бўлдилар. Ҳар ким сўраса Фарғона борадурган ифак қуртини мошина зобуди асбоблари деб, риёзат ила Қошғарға еткурди. Мазкур Оғо Абдурахим афандини Истамбулки катта мактабларида таҳсил этмиш Эминбек афанди ном фарзандини Саййидхон ҳожи ўзи бирла бирга олиб Русия ичи бирла Фарғонаға келмоқға маслаҳатни қарор беруб озим бўлдилар. Яна бир неча муаллимлар етишмоқға таин этдилар.

Бу замони пиразол, бўқаламун дунёи дунга номини гандапир дерлар. Гоҳе марду номардға саййид ва шариафға жилва айлаб ҳамма олдида яксон ҳар кимға ўзини зеб беруб кўрсатадур. Боз Фарғона мулкиға ҳасад айлаб найрангу шўъбада-бозлиғини кўргузгонини «Тарихчаи //131^b Туроний» баёниға келтурадур, воқеаси будур. **Назм:**

Бу жаҳонким гўйиё мурдордур,
Неча минг каргас ёнида бордур.
Бул анинг рухсориға чангал уруб,
Ул мунинг мунқор ила бошин чўқуб.
Устидин бир-бир учарлар оқибат,

²⁹⁹⁵ Тарих моддаси 1281 сонни беради.

²⁹⁹⁶ Абжад 1283 рақамни беради.

Барчадин қолғуси топиб офият.

Абдурахмон *Офтобачики*²⁹⁹⁷, Мусулмонқули Чўлоқдан қолған мори афъи эди доим кўлидан тасбиҳ мақри тушмай кўзи ёшли панд-фириб чашмаси бўлуб бора-бора хони замонга яқин ўлуб бош кўтарди. Морликдин ўтиб, аждарҳолик мақомига етди. Ҳажга ҳам бориб келиб яна кўпроқ халқни кўнглини ўзига жалб этди. Исо Авлиё мурдашўйни, Зулфиқорбек ибн Фозилбек *дастурхончи* ҳамоқатшиорни, Маҳмудхон тўра Пскатий бадкирдорни, //132^a Мулло Турди Али кўрнамакни бу тарика намакҳаромийларни ўзига ҳамроз этуб, тофишуб оҳиста-оҳиста маккорлик домини туруб, фириб донасини сочмоқга бошлади. Бир тарафдан Холдор эшон улусни балво айлаб имом Маҳдини ноиблари эмиш, - деб Фарғона ҳукуматиға даъвогар бўлуб чиқди. Андак гўшмол ила йўқолди. Андин сўнг Маъмур ном қирғизни хуруж айлаб чиқордилар. Бир оз танбиҳ бирла барҳам топти. Баъдаху Абдулкаримбек ном Содикбек шаҳидни ўғлиман, деб Етимча хон бўлуб чиқди. Кори ривожига келмай шикаст еб қочиб Русия ҳукумати маҳкумиға келди. Волии Туркистон Коуфмон тутуб гуноҳини хони замондан сўраб Фарғонаға беруб йиборди //132^b Хони замон Отабек *ноибни* муҳофазатиға тофшурди, алҳол давлати Инглисни Нишопур шаҳрида мутавааттан бўлуб ҳурмат ила турадур. Андин сўнг мулло Мўмин ном қирғиз балони номини Пўлодбек ибн Муродбек шаҳидни ўғли, деб талбис айлаб Етимча хон қилиб чиқордилар. Гоҳе Косон гоҳе Лолак ва Олой устиларидан нишона беруб, баъзи қишлоқларни талаб гоҳе Фарғона қўшуниға дарафтод бўлуб жанг этуб ғойиб бўлуб кетурди. Назарбек ибн Сўфибек биродарлари ила Бухорода эди ани ваъдаи ваид ила Қаротегин ичи бирла олдируб келдилар. Назарбек чандоне журъатға //133^a қодир бўлмай қочиб Самарқанд борди, алҳол Тошканддадур. Абдурахмон *Офтобачини* бу номбурдалар ила иши саранжом тофмай Султон Муродбек(га) ҳамширасини беруб «Сиз ҳам Саййид Шералихони шаҳидни фарзандидурсиз, аконгиз эмди инсоф қилиб тахтини сизға бермоғи ҳар ваҳж ила лозимдур, навбат сизникидур, деб умедвор қилди. Хони замонни катта ўғли Саййид Насриддинбек инъом-эҳсонға номи Фарғонаға шоиъ бўлуб, ҳамма шарманда илтифотиға умедлари вобаста эди «хонлик сизға мусалламдур, валиахдурсиз, отангиз кўп даврон юрди қариди. Эмди сизға тожи салатанатни тофшуруб ўзи гўшанишин бўлмоғи зарурдур. Ҳаммани хоҳиши //133^b шулдур», деб кўнглини бузуб, уни ҳам хонликдан умедвор этдилар. Ҳатто иккинчи ўғли Муҳаммад Аминбекни Тўрахонтўра тағоси(ни) ортуқли хом тамаъ қилдилар. Маълумдур, агар инсон лаби талбиси ҳаракатға келтурса юз шайтон бўлса ҳам ҳайрат ва дармондалиқда хомуш қолғай. Шунинг учун хирадмандлар айтурлар «Душмани хориждан душмани дохили балойи азимдур», деб. Хони замонни бемулоҳаза бир хукмиға душманларини тили (ва) забони дароз ўлуб давлатини завол тофмоғига сабаб ўлди.

Бир кун бир сарбоз хони замонга ариза бердиким, камина ғуломлари хизмати подшоҳида дини ислом учун ислом милтиғини елкамға кўтаруб юрсам //134^a мани отим фалони кичик ўгай онамни макру фиреби васвоси ила отам алдануб ҳамма бор йўқини молу мулкини ўгай укаларимға фалони кози хузурида хати васиқа қилиб беруб, мани бечорани маҳрум айлаб Мосуво қолдирубдур, деб

²⁹⁹⁷ Абдурахмон офтобачи – Мусулмонқули қипчоқнинг ўғли(тахм. 1844-1888. Қўқон). 1865-1875 йиллари Худоёрхонга офтобачи бўлиб хазмат қилган. Сўнгра парвоначи, мингбоши бўлган. Қўқон хонлигининг жанубидаги тоғли вилоятларда яшовчи қирғизлар ва қипчоқларнинг бир қисми томонидан Худоёрхон сиёсатиға қарши бошланган қўзғолон раҳбарларидан.

Худоёрхон қўзғолонни бостириш учун Абдурахмон офтобачи ва Иса авлиё бошчилигида қўшин жўнатган, бироқ улар қўзғолончилар томонига ўтган. Қўзғолончилар Ўш, Наманган, Андижон ва Асакани олганлар. Хон қўзғолонни бостириш учун Туркистон генерал-губернаторлигидан ёрдам сўраган ва уни кутмай Тошкентга қочган. М. Д. Скобелев бошчилигидаги жазо қўшини Қўқонга 1875 йил, 13 июлда етиб келган. Қўзғолончилар 1873 йилдаёқ Пўлатхонни хон деб эълон қилганларига қарамай Абдурахмон офтобачи қўзғолончилар сафини янги кучлар билан тўлдириб, қипчоқлар ва оддий жангчиларга даҳбоши, элликбоши каби унвонлар бериб, уларни янгидан тузилаётган қўшинларга бошлиқ этиб тайинлаган. 1875 йил 22 августда Маҳрам жанги бўлиб, унда қўзғолончилар ёмон қуролланганликлари, ҳарбий маҳорат йўқлиги туфайли енгилганлар. 8-9 сентябрда Абдурахмон офтобачининг 5 минг кишилик лашкари М. Д. Скобелев қўшини билан Минг-тепа қишлоғида жанг қилиб мағлубиятга учраган. Абдурахмон офтобачи 25 йигити билан Ўзганга қочган. Бу жангларда Пўлатхон Абдурахмон офтобачига ёрдам бермаган. Абдурахмон офтобачи ва Пўлатхонларнинг ўзаро рақобатидан фойдаланган рус қўшинлари Қўқон, Марғилон ва Ўшни жангсиз эгаллайди. М. Д. Скобелев Абдурахмон офтобачи бошчилигидаги қипчоқларга узил-кесил зарба бериш учун қипчоқларнинг Норин билан Қорадарё оралиғидаги қишлоқ ерига 1876 йили қишида ҳарбий экспедиция уюштирган. Қўзғолончилар бундан хабар топиб рус қўшинини Андижонда кутиб олганлар. 1876 йили 8 январдаги жангда қўзғолончилар яна мағлубиятга учраганлар. 18 январьда Абдурахмон офтобачи бошчилигидаги лашкар Асакада енгилди, шаҳарни ташлаб чиққан. 19 январьда Пўлатхон сулҳ таклиф этиб Хўжандга К. П. Кауфман хузурига элчиларини юборган. Бундан Абдурахмон офтобачини рус айғоқчилари огоҳ этадилар. Абдурахмон офтобачи ўз ҳаётини сақлаб қолиш ва мавқега эга бўлиш илнжида 1876 й. 20 январьда таслим бўлиши ҳақида музокаралар олиб бориш учун ишончли кишиларини жўнатган, 24 январьда генерал М. Д. Скобелев билан шахсан учрашганидан сўнг ўз сафдошлари (26 сафдоши ва 400 жангчи) билан таслим бўлган. Абдурахмон офтобачи. ўз та-сарруфидаги қўзғолончиларни тарқатиб юборган, бу билан қўзғолон мағлубиятга маҳкум этилган.

1876 йили босқинчиларга таслим бўлишидан сўнгра Екатеринбургга (1881 йилгача) сурғун қилинди. Кейинчалик Архангельскда Россия давлатидан йилига 3000 тила рубл нафақа олиб яшаган. 1888 йили Қўқонда вафот этган.

мундан хони замони ғайрати домангир ўлуб баъд аз таҳқиқ қозини ясоқи подшоҳи айлаб, сақолини тарошлаб васиқасини мансух айлади. Бу ҳукм бирла Фарғонада шул тариқа бўлган васиқалар кўб эди ҳаммаси бузулуб маҳрум бўлганлар доҳили мерос бўлдилар. Аммо душманлар «хон шариатга раҳна солди», деб иғво қилиб ҳар тарафдан авом ун-носға шикоят қила бошладилар. Абдурахмон *Офтобачи* Пўлод ном етимча хон яна зухур қилгон эди ани тамом таскин беруб //134^б келмоқ учун уҳда олиб равона бўлди. У ҳаромзодни мусаллати қарор ва анжом тофгон эди лашкари бекарон бирла тўғри боргонга Андижондан Насриддинбекни йўхлаб олиб Асака келтуруб хон кўтардилар. Султон Муродбек ҳам умедвор эди Марғинондан чиқоруб Отакул *баҳодирбоши* ҳаромзода ила *Офтобачи* ҳузурига етди. Муҳаммад Аминбек ҳам Хўқандда отаси олдиан қочуб *Офтобачи* олдиға борди. Хони замон бу ҳолларни мушоҳада айлаб, тақдири иложига бўюнсунуб Отабек *ноиб* ва Мулло Маъруф *додхоҳ* бирла машварат кўргузди. Алар айдилар: Жаҳонпаноҳо бу кўрнамакларни кўзи кўр бўлуб, дилини қаронгулуқ босибдур. Баҳоналари хонимиз ҳукумати Русия ила ошно бўлуб, ғазот қилиб қўлимиздан кетган шаҳарларимизни //135^а фатҳ айлаб яна исломобод қилмоқға хоҳиши йўқдур. Хазина ахча кўп. Лашкаримиз бениҳоят. Ғазот қилмоқни бизлар ҳарчанд айтсақ қулоқ солмайдур. Ани устиға шариатга раҳна солмоқ пайиға тушди, деб халқни панди фириб беруб оламни шўришға келтурдилар. Билмадиларки, шер ўрни тулкиға мақом бўлмас деганларида хони замон бу нобакорларни ҳолини кўрмоқ керак, семируб давлатларини кўтара олмай оёқларини ҳадидан ташқари кўюб, мақом поясидан ўткардилар. Анқариб жазоларин кўргайлар, деб икковлуб женеролни Фарғона аҳли Айрискол дер эрдилар бу вақтда Хўқандға элчилик бирла келган эди хони замон айди Исковулубға хабар беринглар, ўзини эҳтиёт //135^б қилиб бизни ҳузуримизға етсун, мабодо бир зарару офат етса ҳукумати Русия ила Фарғона орасида қон тўкулуб ишлар яхши бўлмағай. Яна буки бизларға тариқи меҳмонлик бирла келгандур, деб хазинадан кўп ахчаларни юклаб ёш болаларини аҳли аёлларини олиб олдидаги муътамад одамлари, яъни Отабек *ноиб*, Мулло Маъруф *додхоҳ* Косон ҳокими, хонни жияни Саййид Акрамхон тўра ибн Собирхон тўра, Бача баҳодир *понсад*, Усмон Алибек *понсад* ибн Ниёзали *қўшбеги* ва ғайраҳум маҳраму ясовул пешхизматлари қарийб бирор минг одам ила Хўқанддан чиқуб қалъаи Маҳрам равона бўлдилар. Маҳрам қалъаси Русия тақобилиға солинган, бир тарафи дарёи Сайхун мустаҳкам қалъадур. Анда хонни учинчи ўғли Саййид Умарбекни тағоси Тўражонтўра ибн //136^а Саййид Ғозихонтўра ҳоким бўлуб бирор минг лашкари илғори Фарғона ила мазкур қайин оғаси турур эди. Мазкур тўраға хонни эътимоди зиёда эди. Мазкур тўрани сипоҳгарчиликка тоби йўқ ва яна бир қизи хонни катта ўғли Саййид Насриддинбекға тушган ани хотирасини қилиб Маҳрам кўрғонини ташлаб хони замонға кўрунмай Маҳрамни ҳамма лашкарини олиб ба тарафи Хўқанд роҳи бўлди. Хони замон Маҳрам қалъасиға етуб бу ҳолдин огоҳ бўлуб мазкур тўрадан бу бевафоликни кўруб хайрат лол қолиб ночор анда турғали бўлмағай 1875 милодида ўтуб Русия ҳукуматиға доҳил бўлуб Хўжанд келди. Яна Русияни хоҳиши ила Тошканд келди. Алҳосил, Абдурахмон *Офтобачи* ишни бу тарзида саранжом берди. Баъдаху Саййид Насриддинбек хонни //136^б олиб жўнаб доҳили Хўқанд бўлуб ба тарафи Тошканд ҳузурини хизмати Коуфман волии Туркистонға элчи бирла нома юборди. Мазмуни нома буки Фарғонани ҳамма акобири ашрофи аъёни мамлақати Худоёрхондан норозилик қилиб фарзанди Саййид Насриддинбекни муносиби тожу тахт кўруб хон қилдилар. Ҳукумати Русияға бошқа ғаразлари йўқ бинои алайҳ Худоёрхон қайдоқ ошнолик бирла турган бўлса бизлар андан ҳам беҳроқ ошнолик ила турғаймиз. Нома тамом. Вассалом.

Элчи Тошканд келди, номани берди. Мазмуни номадан волии Туркистон Коуфман иттилоъ товуб қабул айлаб, баъд аз он Худоёрхонни оқ подшоҳни кўруб келарсиз, деб ба тарафи мамлақати руси равона қилди.

Тошкандда ҳам одамлари //137^а хондан зору нолон бўлуб ажрадилар. Яроқ-аслаҳаларини Русия ҳукумати йиғуб олдилар. Андак одам ҳамроз олиб Оғача Ойим хотуни Насриддинбек ва Фансуруллоҳбек икки фарзанди ила жўнаб шаҳри Ясси, яъни Туркистонға бордилар. Йўлни машаққатидин бу икки ўғли бирла оғир юкларни анда қолдируб сабук бўлуб саккиз нафар мулозимлари ила роҳи бўлди. Оқ масжид етганда Саййидхон хожи бирла Иминбек афанди мулоқот бўлуб ҳасрату надомат ила ажралдалар. Оғо Абдурахим афанди Қошғар келгонда воқиоти Фарғонани эшитуб анда қолди.

Алқисса, Худоёрхон Урунбурх шаҳриға етди. Ҳукумати Русия анда иқомат айлаб турмоқларини қарор берди. Тошкандда қолмиш //137^б ҳамма тобиоти Саййид Умарбек фарзанди ила Отабек *ноиб* ёнуб Фарғона келдилар. Қачон *Офтобачини* Тошканд юборган элчиси қайтди сахл фурсат ўтуб Зулфиқорбеки ҳамоқатшиор ила Маҳмуд тўра бадкирдорни лашкарбоши қилиб буюрди алар Кандир давондан ўтуб, Авлуғ тушуб доҳили Қурама бўлуб Русия ҳудудиға келуб бекитларни

талаб ўт қўйдилар. Абдурахмон *офтобачи* омодаи жангу ғазот бўлуб ҳамма шаҳардан хоҳ сипоҳ хоҳ фуқаро бўлсун орзуйи ғазот бўлса саодат сафаридан қолмай йиғилсунлар деб муноди қилдурди. Кўх-кўх лашкар жамъ бўлдилар. *Офтобачи* милтиқларни кофурлардан чиқғон бидъат деб барҳам берди. Найза, шамшир шашпар [ва] болта бирла //138^a тўхмоқларни аскарини қўлиға берди. Туғу байроқларни ростлаб жилваға киргузуб ба тарафи Хўжанд равона бўлди. Бу хангомалардан воли Туркистон Кофман огоҳ бўлуб лашкарияни ороста этуб Голобачўб ном женеролни сардори лашкар айлаб озим бўлди. *Офтобачини* пешжанги оламиён ном Хўжанд етуб дастбурд кўрсатди. Русия лашкари чандоне илтифот қилмай Хўжанддан чиқуб Маҳрам қалъаси усти қир тефалик ила қўшуни Фарғона устиға боруб сафлариға бир тўп этмоғи бирла ҳамма лашкар қил қуйруқ юз мингдан зиёд одам ўз ҳоллариға саргардон бўлуб фирор этдилар. Аксарлари ўзларини дарёи Сайхунға ташлаб ҳалок //138^b бўлдилар. Талабкор бўлуб келган пиёда лашкар парокандани отлиғ қазоқ-уруслар етуб қатл айлади. Қораянтоқ дашти улукға тўлди. Отлиғ лашкардан каму беш қочуб қутулди. Абдурахмон *Обтобачи* ул лашкари кипчоқи бирла алоҳида турган эди. Ҳаммадан илгари қочуб Хўқандға кирмай Асака бориб Пўлод қирғиз²⁹⁹⁸ ни товиб хон кўтарди. Воли Туркистон Марғинон бориб аскарни харожати учун Фарғонаға лакпули солди. Исо Авлиё, Зулфиқиробек, Маҳмудхон тўрани тутуб Сибир қилди. Насриддинхон Хўқанддан боруб воли Туркистонни кўруб ёнди. Пўлод қирғиз *Офтобачиға садри аъзамлик* номини беруб ўзи маҳдилик номини олуб ҳар тараф нома йиборди. Бечора //139^a Фарғона мардумини авбошлари кўбдур. Ҳар тарафдан йиғилуб, лашкари пароканда жамъ бўлдилар. Марғилон бузулуб Султон Муродбек қочуб Хўқанд келди. Отақул *баҳодирбошини* Марғинон мардуми [эли] қароқалтак уруб ўлдуруб йибордилар. Насриддинхон Хўқанддан қочуб Хўжанд кетди. Хўқанд фуқароси қишлоқиларга қўшулуб хазинани талаб Отабек *ноибни* қароқалтак уруб ўлдирдилар. Султон Муродбекни дастгир айлуб Пўлод қирғиз олдиға тухфа гўён [дебон] олиб жўнадилар. Ҳамма Хўқандни яхши одамлари уйлари қочуб кируб кўчаға бошларини чиқора олдилар. Мавлавий Чўби[н] ном уламои зу-л-эхтиром фуқароға насихат қилмоғи //139^a бирла яланг аёқ авбошлар уруб ўлдурдилар²⁹⁹⁹. Сақоли йўқ хушрўй амрад балаларни, бачани *понсад* қилиб ўзлариға *сардор* билиб туғ-байроқлар бирла шаҳар кўрғонини посбонлик қилиб, айланиб ҳар кеча қалъа устида нақора чирманда, карнайлар садоға кулоқлар танг келур эди. Пўлод қирғиз тарафидан Абдулғаффорбек йуз ибн Раҳим *девоубеги* золим ҳоким бўлуб келди. Бир неча фурсатдан сўнг ани маъзул этуб ўзиға Абдулоҳбек ибн Олимбек қирғизни Хўқандға ҳоким айлаб йиборди. Пўлоди нобакор Асакадан Марғинон келиб Хўқанд бормоқға журъат этмади. Қўлиға тушган авлоди Худоёрхондан Султон //140^a Муродбекға қўшулуб то олти ойлик норасидадан ўн бир нафар кўдак болаларни шахид қилди. Бу шахзодаларни аксари сут эмадурган болалар эди. Золими жафокор (Пўлод хон) раҳм қилмади.

Ки бир минг икки юз тўқсон уч эрди,
Хабар мундоғ дебон тарих берди.
Фўлод қотил лақаб Заҳҳоки соний,

²⁹⁹⁸ Фўлод/Пўлод – Исҳоқ Ҳасан ўғли (1844 – Марғилон – 1876). Исҳоқ Ҳасан Қўқондаги Тун-қатор мадрасасида ўқиган. Андижондаги масжидда имомлик қилган, савдогарлик, носфурушлик билан ҳам шуғулланган. Тошкентга келиб, Абдулмўмин оталиқ билан танишгач, шу ерда вақтинча яшаб қолади. 1872 йили Шер додхоҳ бошлиқ бир гуруҳ қўқонликлар Самарқандда истиқомат қилаётган Пўлатбекни (Олимхоннинг невараси) Қўқонга таклиф қилиб, уни хон қилиб кўтаришга ваъда қилишади. Лекин, Пўлатбек бу таклифни рад этади. Шундан сўнг қўқонликлар Тошкентга келиб, Абдулмўмин оталиқ билан учрашганлар. Уларнинг илтимосига кўра, Исҳоқ Ҳасан «Пўлатхон» номи билан фитначилар ва ҳокимият учун курашаётган қирғизлар кўзғолонига бошчилик қилишга рози бўлган ва Наманганга келиб кўзғолонга раҳбарлик қила бошлаган. Унинг томонига Худоёрхон сиёсатидан норозий бўлган йирик бойлар, қабила зодагонлари ва ҳарбийлар, ҳатто Худоёрхоннинг ўғли ва б. қариндошлари ҳам ўтган. 1875 йил 22 июлда Худоёрхон Тошкентга қочишга мажбур бўлади. Хон тахтига «Пўлатхон» ва Худоёрхоннинг катта ўғли Насриддинбеклар асосий даъвогарлар эди. 1873 йилда қирғизлар «Пўлатхон»ни Қўқон хони деб эълон қилган эдилар. Аммо, Худоёрхон Тошкентга қочгандан кейин Абдурахмон офтобачи Насриддинбекни хон деб эълон қилиб тахтга ўтқизган. Шу сабабли «Пўлатхон» Абдурахмон офтобачи ва Насриддинхонларга қарши курашни бошлаб юборади. Оқибатда, Қўқон хонлигида икки ҳокимиятчилик пайдо бўлади. Бунинг олдини олиб, кучларни бирлаштириш мақсадида Абдурахмон офтобачи 1875 йил 7 августда Чор Россияси мустамлакачиларига қарши ғазавот эълон қилади ва халқ озодлик ҳаракатини бошлаб юборади. «Пўлатхон» бу ҳаракатни қўллаб қувватлайди, аммо қўшинини жангга олиб кирмайди. 1875 йил 23 августда Маҳрам қалъаси остонасида руслар билан Абдурахмон офтобачининг қўшини ўртасида қаттиқ жанг бўлади. Қўқонликлар мағлубиятга учрайди. К. П. Кауфман кўзғолончиларни бирин-кетин тормаётган эди, Қўқон, Марғилон ва Ушни жангсиз босиб олган. 1875 й. 22 сентябрда Кауфман Марғилон ш.га Насриддинхонни таклиф қилиб, аҳоли учун жуда оғир бўлган шартномага имзо чектиради. Натижада, аҳоли Насриддинхонга қарши кўзғолон кўтаради. Насриддинхон Тошкентга қочишга мажбур бўлади. «Пўлатхон» расман Қўқон хони деб эълон қилинади. Абдурахмон офтобачи ҳам уни тан олади. «Пўлатхон» билан ярашиб ҳарбий кучларини бирлаштиради. Рус аскарлари билан бўлган жангларда кучлар тенг бўлмагани натижасида «Пўлатхон» мағлубиятга учрайди. 1876 йил 1 мартда Марғилон шаҳрида дорга осиб ўлдирилади.

²⁹⁹⁹ Мавлавий Чўбин – 1875 йили ҳалок бўлган тараққийпарвар олим.

Етиб авлоди хонға кўп зиёни.
 Сўюб хонзодани бекзодаларни,
 Кўдаклик боғида озодаларни.
 Қизил гулғунчасидек икки кўдак,
 Булар хонзода эмар эди эмчак.
 Тофиб саккиз ўғулдин икки ўғул,
 Эдилар норасида сўзи булбул.
 Она қўйинидин олиб икки нафар,
 Аларни қўйди бўйини узра ханжар.
 Онаси зор йиғлаб оху афғон,
 Тўкуб ёш ўрниға ерга қизил қон.
 Яна хонзода Насриддинбекни,
 Саййид Фатҳиддин отлиғ ул ятимни.
 Тофибон кетди ханжар бирла бошин,
 Онасин оқизиб тўкди ёшин.
 //140^б Султон Муродбекни тутуб ҳам,
 Қўшуб саккиз сағир ўғлиға улдам.
 Шаҳодатға етурди раҳм қилмай,
 Ўшал ҳалоки хондек оқизиб қон,
 Жаҳонға ўт қўюб бадбахт лодон.
 Гунаҳсизларни сўюб олди молин,
 Кўтариб кетди бўйниға вуболин.
 Қаламравдин саккиз минг уч юз одам,
 Кесиб бошини ноҳақ тўкти булжам
 Оқиб дарё сувидек хуни ноҳақ,
 Юрутди зулмдин узра заврақ.
 Эшит бўлғон қиссаларни,
 Азал кунда бу тўлғон ҳиссаларни.

Султон Муродбекни Акбаралибек, Саййид Мавлонбек ном икки адад катта ўғли Фўлоддан қочуб ёдгор қолди. Фўлоди баттол бу хонзодалардан бўлак кўп одамларни ноҳақ даражаи шаҳодатға еткуруб пулу молин торож қилди. Ҳар қаю нокас бировға хусумати ўлуб бўхтон айлаб «урусға хизмат қилғучи» «бўзчи» ёки «хони хонзода //141^а ларни яқин одамларидан», деб кўрсатса бе тафтиш сўюб, молини талаф айлар эди. Ажаб шўрише Фарғона аҳлиға рўй келтуруб, оху афғон айлар эдилар. Уч ой бу бе асли нопок хонлик қилди.

Мақорини бу ҳол Саййид Насриддинхон Хўжанддан Маҳрам келиб андин беш олти юз одам ила қасди Хўқанд этуб жўнади. То Хўқанд келгунча қарийб ўн минг лашкар жамъ бўлди. Тажрибасиз ва беғайратликдан дор ул-амораға киргали журъат қилолмай Қайнар ном кишлокға кўнуб уч кун анда туруб қолди. Абдуллоҳбек ибн Олимбек қирғиз вақтини ғанимат товиб бир мингча лашкари пароканда авбош ила келиб ҳамла этди. Бе жангу жадал Насриддинхон //141^б шикаст еб қочуб Маҳрам ёнуб келди. Дарвеш *ҳидоятчи* ибн Муҳаммад Шариф *оталиқ* асир ўлуб қатлға етди. Бошини кесуб найза учиға олиб «Насриддинхон боши», деб қирғиз қалтоқлар шаҳарға олиб кирдилар.

Мақорини бу ходиса жинирол Искобулуб³⁰⁰⁰ гоҳ-гоҳ Андижонни, гоҳи Намангонни муҳосира айлаб ўт қуноб жанглар кўргузуб, юрур эрди. Андижону Намангонни мусаххар этуб, Марғинон юруш қилғонда Фўлодни лашкари жамияти бузулуб, Фўлод Қоратегин қараб фирор этди.

³⁰⁰⁰ Искобулуб – Скобелев Михаил Дмитриевич (1843.17.9, Санкт-Петербург — 1882.25.6, Москва) — Россия империясининг Туркистондаги босқинчилик урушларида фаол иштирок этган рус ҳарбий арбоби, инфантерия генерали (1881). Бош штаб академиясини тугатган (1868). 1869 йилда Ўрта Осиёга капитан унвони билан келиб, 8 йил ичида генерал-майор унвони билан Россияга қайтган. У Хива хонлигини босиб олиш (1873) ва «Пўлатхон» кўзғолони (1873-76)ни бостиришда К.П.Кауфманнинг энг яқин ёрдамчиларидан бири бўлган. Андижонни вайрон қилиб аҳолисига 3300 рубль товон тўлатган. Кўқон хонлиги тугатилгач, 1876 й. 19 февральда ташкил қилинган Фарғона вилоятининг биринчи ҳарбий губернатори бўлган. Скобелев томонидан вилоят маркази Кўқон шаҳридан Янги Марғилонга кўчирилади. Туркистонда подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини жорий қилишда қатъий фаоллик кўрсатган. Россия-Туркия уруши (1877-78) қатнашчиси эди. Ахал-така ҳарбий юришлари пайтида «2-Ахалтака экспедицияси»га раҳбарлик қилган. Кўктепа (Геоктепа) қалъаси ва Денгил-тепа рус аскарлари томонидан эгаллангач (1881 й. 12 янв.), айна унинг буйруғи билан тирик қолган барча қалъа аҳолиси: 45000 киши (аёллар, қариялар, болалар) ёппасига кириб ташланган, уларнинг мол-мулки таланган ва Кўктепа ер билан яқсон қилинган. Скобелев ашаддий шовинист ва мустамлакачи сифатида Туркистондаги туб халқларга паст назар билан қараган. Скобелев ҳақида маҳаллий аҳолида нафратли хотиралар сақланиб қолган. Скобелев 1882 йилда Санкт-Петербургда фожиаи ўлдирилган. Фарғона вилоятининг маъмурий маркази бўлган Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона)

Бу хабар Хўқандға етуб Абдуллоҳбек Хўқандни ташлаб қочти. Хўқанд мардуми тавба-тазарру бирла Маҳрамға Насриддинхон хузурига келуб таклиф айлаб Хўқанд олиб жўнадилар. Ҳафта ўтмай Искобулуб жинирол //142^а Фўлодни дастгир этиб Марғинонни мусаххар айлаб Хўқанд етуб келди. Марғинондан озим бўлишида Фўлодни дорға осиб *Офтобачини* тутуб Сибирға юборган эди. Баъдаху Хўқанд ичидан Насриддинхон пешвоз чиқуб Исковулубни кўрмоғи ила орқа олдиға қаровул кўюб ба тарафи Тошканд равона қилди.

Тарихи милоди 1876 йилда Исковулуб жинирол доҳили Хўқанд бўлуб Фарғона тамом Русия имфротури аъзам тасарруфлариға ўтди. Баъдаху Хўқандда қолғон хонзодалар Саййид Муҳаммад Аминбек ва Саййид Умарбек, Ибни Аминбек, Акбаралибек, Саййид Мавлонбек, Абдулкаримбек ибн Содикбекни жинирол Кулбакубиски [Колпаковский]³⁰⁰¹ у замон Хўқандға келғон эди Ўрдаға йўхлаб //142^б мазкур хонзодаларни Тошканд боруб турушлариға фармойиш қилди. Ҳамма хонзодалар Тошканд жўнаб Абдулкаримбек юз фитна қилиб Хўқандда қочиб қолиб сўнгра ба тарафи давлати ингриз қараб равона бўлди. Алҳол Нишопур шаҳрида мутавадандур.

Тошканддан Насриддинхон Владимир шаҳриға равона қилди. Икки-уч йилдан сўнг Тошканд ёнуб келуб анда вафот қилди. Амир Саидбек ва Бурҳониддинбек икки фарзанди боқи қолди. Акбаралибек ибн Султон Муродбек ҳам Тошкандда вафот этуб зурриёти қолмади. Насруллоҳбек муқаллаб Ўрмонбек ва Фансуруллоҳбек ном хонни икки фарзанди Туркистон шаҳридан қайтуб алар ҳам Тошкенд келган эдилар. Бир-икки йил ўтуб шаҳзодаи //143^а наврасида муқаллаб Ўрмонбекни умри боди хазонға мубаддал бўлди. Бу шаҳзодани отаси Худоёрхон ятимлик важҳидан зиёда ўзи парвариш айлаб ўстургон эди. Тааллуқдор бўлмай ўн етти ёшида жаҳондан ўтди. Беҳад хушёр ботамкин шаҳзода эди. Шоистаи раҳмат этсун. Омин!

Мақорини бу ошон Худоёрхон Орунбурх шаҳридан ҳижрат қилиб зиёрати Маккаи мукаррама-Байтуллоҳ этуб ҳаж айлаб, зиёрати Мадинаи мунаввара қилиб, тавофи Карбало айлаб Бағдод шаҳри ила Ҳирот келуб Майманаға ўтуб Каррух ном мавзуда вафот этди. Ҳеч бир подшоҳлик жойда иқомат этмоқға орзуси бўлмади. Қабри алҳол зиёратгоҳи халқуллоҳдур. Зиёда хазбари (шери) замон //143^б хон бўлуб ўтди. «Албатта биз Аллоҳ нинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз»³⁰⁰².

Хондан Тошканд шаҳрида тўрт ўғул: Саййид Муҳаммад Аминбек, Саййид Умарбек, Ибн Аминбек(Яминбек), Фансуруллоҳбек ёдгор боқи қолдилар.

- Саййид Муҳаммад Аминбекдан: Нуриддинбек, Азаматбек, Темурбек, Исломбек, Муҳйиддинбек, Мансурбек ўғул бўлиб 1940-йилга вафот қилиб кетган.

- Саййид Умарбекдан: Оллоҳёрбек, Усмоналибек, Комронбек, Комкорбек ўғуллар бўлиб, Саййид Умарбек 1928 йилда вафот қилдилар. Оллоҳёрбек, Усмоналибекдан фарзанд йўқ. Камронбекдан бир ўғул Шохруҳбек 1948 йилда туғилган.

- Комкорбекдан икки ўғул: Ҳасанбек 1929 йилда туғулган, Ўткирбек 1937 йилда туғулган*.

шаҳри 1907-1924 йилларда Скобелев номи билан аталган эди. Қаранг: ЎзМЭ, том 7, 2004. – Б.670.

³⁰⁰¹ Кулбакубиски [Колпаковский] – генерал Г.А.Колпаковский, рус саркардаси. Туркистон генерал-губернатори (1881-1882).

³⁰⁰² Қуръони карим, 2:156.

* Комронбек ибн Саййид Умарнинг шарҳи.

XIV. Ниёзмуҳаммад Хўқандий-Ниёзий/ ИБРАТУЛ-ХАВОҚИН (ТАРИХИ ШОХРУХИЙ)³⁰⁰³

// 1^б Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим!

Икки оламда ёлғиз Вожиб ул-вужуд³⁰⁰⁴ зот саналмиш ҳазрат ва тенгсиз Топинғувчининг пок номига чексиз ҳамду санолар муносибким, тўғри рақамли қалам анинг пок номи ҳайбатидан боши эгик ва бўйни қирқилган, илми китобхонаси лавҳидан бир бўлакдирким, ибтидо ва охир илми ундан бекитиқча эмас. Ул зот осмон ва ер юзи манзаралари табақаларини ўзининг комила қудрат ва улуғвор камоли тарбияти билан муаллақ ва устма-уст тутиб, аршдан то фаршгача яратилиш бўстонида гулдек бир неча варақларда ранг-баранг очилтирган, самовот табақаларини малоиклар манзилгоҳи қилиб, арш ва курсини қудсийлар ва жабарутлар қароргоҳига айлантирган ва бу бахти уйғоқ тупроқ юзини Одамнинг маскан ва маъвосига дўндирган ва Сафиуллоҳ гавдаси гавҳарини ўшал пок хок садафидан яратиб “ва лақад карамно бани Одама”³⁰⁰⁵нинг қимматли пурмоя либосига мушарраф қилди. Унинг гўзал тийнатли пок вужудига сарафрозлик бағишлаб, малоикни унга сажда қилдирди ва “аллама Одама-л-асмоа куллаҳо”³⁰⁰⁶ ташрифига мушарраф қилиб, энг чиройли сурат ва дилни ўғирловчи қомат билан намоён қилиб, тартиб билан уни безар экан, барча яратилган қиёмат аҳлининг энг чиройлиси ва мукаммали қилиб, саодатли қоматини ўта кўркам суратда зийнатлади ва нурли юзини энг яхши маромда беади. Ҳазрат аҳсанул-ҳолиқин ва раббил-оламин ўз шак-шуҳбасиз ва гумондан холи каломиди ғайбдан хабар берганким “биз инсонни хушбичим ва хушсурат (шаклда) яратдик”³⁰⁰⁷. Инсонга чиройли юз ва сийрат поклиги ундан мерос қолди. Муборак салбидан субҳоний лутф булути найсоний томчилари ва файзлари инсоният онаси бўлмиш Ҳавонинг раҳмига томиб, рисолат паноҳлар ва нубувватдастгоҳларни қимматли гавҳар ва осмон пояли юлдузлар чиқариб, оламда намоён этди. //2^а Борлиқ тизимига уланиб, анбиё, мурсалин, авлиё ва мўъминлар ва олий шонли тож эгалари ва мулкларнинг баланд маконли моликлари, хосу авомнинг то Исрофил сурнайи чалингунига қадар бўлгувчиларнинг бошидан охиригача барчаси унинг баракатли наслидан тарқагандирлар. Барчаларига Аллоҳнинг пок ва соф саломлари бўлсин. **Ҳамд назми:**

Бар ҳазрати ту на ҳад, ки ҳамдат гўем,
 Аз ожизи ва заифи аз раҳат дурем.
 Кўрем, надида роҳ раҳ мепўем.
 Гунгему надониста сухан мегўем.
 Узри сухан роҳи хато межўем,
 Мо сифлаи хокем чун мўри заиф,
 Бо ин ҳама ожизи гунаҳкори наҳиф.
 Ташрифи санои ту ба аҳволи касиф,
 Дар ёфтан осон набувад роҳи шариф.
 Лутфе кун ва раҳ намо, ки мо маъмурем,
 Дар роҳи талабат шикаста, ожизу мўрем.
 Эй ҳазрати вожиби якто,
 Ваҳдонияти туро набошад ҳамто.
 Дори ҳамаро нигоҳ аз роҳи хато,
 Бахши ҳамаро гуноҳу лутфе кун ато.
 Дар роҳи талаб ба ажз бо қомати хам,
 Бо зардии рухсорое бо дидаи нам,
 Гум карда раҳонем, ту аз рўи карам,
 Лутф кун, ту раҳон аз раҳи ғалатем.
 Ҳодий шав, раҳ намо зи роҳат дурем.

Ҳайи вадуд ҳамди ва ҳазрати маъбуднинг сон-саноксиз саноси ва чексиз дурудидан сўнг башар аҳлининг энг аълоси, қиёмат куни ҳомийси, Аллоҳ расуллари ва пайғамбарларининг подшоси, мустаҳкам шариат соҳиби, аввалгилар пешвоси, охиригилар раҳнамоси, “биз Сизни (бутун) оламларга

³⁰⁰³ Ниёзмуҳаммад Хўқандий – Ниёзий. Ибрату-л-хавоқин (Тарихи Шохрухий). Таржимон, табдил, изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент: Турон-зиё, 2014. – 880 б.

³⁰⁰⁴ Вожиб ул-вужуд – ўлмас, мангу, барҳаёт.

³⁰⁰⁵ “Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик”. Қуръони карим, 17:70.

³⁰⁰⁶ “(Аллоҳ) Одамга барча (яратилган ва яратилажак нарсаларга тегишли) номларни ўргатди” Қуръони карим, 2:31.

³⁰⁰⁷ Қуръони карим, 94:4.

айни раҳмат қилиб юборганмиз”³⁰⁰⁸, шарафномаси соҳиби ва мавжудот яралиши сабабчиси ва махлуқот яратилиши боиси, соясиз вужуди воситаси билан ва Унинг (с.а.в.) сармойеси кўриниши билан яралиш вақтида ва яралиш шарафига муяссар бўлиб “лав лока ламо халақту ал-афлок” (“Агар сен бўлмаганингда фалакларни яратмас эдим”), деган ҳадис), шу маънини тасдиқловчидирким, анбиё ва мурсалин (а.с.)нинг энг баланд ва энг шарафли мақомлари бўлмиш меърож пояси мартабасини ул хазрати ҳақиға бағишлаб, муаллонинг энг чўққиси ва юқори олам тепасига ёнида Жабраили амин ва сидранишин хабарчиси билан бир неча муқарриб малоиклар ҳамроҳлигида хушхиром Буроқда кўтарилиб, ўша бахтли кеча-ю, оқибати хайрли вақтдаёқ Умму Ҳоний³⁰⁰⁹ уйидаки, ул сарварнинг аммасидир, Ҳазрати Расули акрам ва бани Одам пешрави ўша ерда эди, тушиб, бедор қоидали уйқусидан неча бир одоб ва тавозеъ билан хушуъ ва хузуъ тариқи билан уйғотди. Такрим ишорати ва таъзим иборатлари билан нурга тўла ёғдули қалби ва зиё таратувчи оидин кўнглини илтиб, //2⁶ меърож ва ул соҳиби тож билан учрашиш яқинлашгани хабарини етказди. Ўша ёруғ тунда шаҳарлар шарафидан Рухул-амин ва муқарриб малойикалар ҳамроҳлигида ул саодат безакли манзилдан чиқиб, одам юзли буроқ ва фаришта қилиқли хушхиромга минди ва юмуқ киприк очилгунча вақт ичида мунаввара куёш нури сингари Байтул-муқаддасга келиб тушди. Ўтган барча анбиё руҳлари – аларнинг ҳаммасига Аллоҳнинг саломлари бўлсин – билан учрашиб, табрик ва қутлов адосидан сўнг эҳтиёжсиз даргоҳдан ҳожатмандлик тилаш учун икки ракаат намозни рисолат осмонининг ул куёшини ўзларига имом қилиб адо этдилар. Намоз ўқилгач, ул барча раббоний танлаганлар ва тоҳира пок руҳлар кўлларини дуога очиб, олам сарвари ва пайғамбарлар сўнггиси ҳақиға дуолар қилиб, фотиҳа ўқидилар. Дуо адосидан сўнг ва анбиё руҳлари рухсатидан кейин ул шарофат қоидали ва саодатга ёр манзилдан улуввий оламга кўтарилиб, бахт аломатли қадами ғубори билан меърож поясини мунаввар қилиб, фахр бошини ул арш поясига етказди. **Расул наъти:**

Он шаҳи тождори парда нишин,
 Жоҳаш буд пайки сидра нишин.
 Чун алаф кард уруж аз дили хок,
 Кард боло суъуд он шаҳи пок.
 Аз аносир гузашт ҳамчу назар,
 Кард жавлон Буроқи чарх қайсар.
 Шуд ба хоки раҳаш Қамар банда,
 То рухаш шуд ба авж тобанда.
 Малакон дар қудуми маркаби ў,
 Суда бар хоки роҳ жабҳаю рў.
 Кард бар осмони соний суъуд,
 Кард Аторуд салом гуфта дуруд.
 Қатъи роҳи самои севвум кард,
 Зухра аз наҳий сози худ гум кард.
 Маркабаш дар меҳр наёфт,
 Меҳри тобанда кафи зиндаги ёфт.
 Сайр бар боми Миррих он шаҳ низ,
 Кард чун тир бо Буроқ тез.
 Монеъон кўси наҳий адл бизад,
 Ханжари тези худ зи кафт гум кард.
 Нақл аз осмони панжум кард,
 Чатри шоҳи ба боми шашум кард.
 Муштариро саодати шарафаш,
 Аз ғубори шарофати қадамаш.
 Шаҳ инонаш ба тоқи ҳафтум тохт,
 Зухал зи таки ёр бандаги ёфт.
 Ҳама афлок кард доман паҳн,
 Пой андоз карда дар он саҳн.
 Ба умиди ғубори наълайнаш,
 То кунанд жумла сурмаи айнаш.
 Малакон дар раҳи шаҳи кавнайн,
 Суда дар пойи маркабаш айнайн.

³⁰⁰⁸ Куръони карим, 22:107.

³⁰⁰⁹ Пайғамбар Муҳаммад холаларидан бири.

На чунин ихтишом нашу намо
Чун назар кард Буроқ сайри само.
Жабрайилро ба Сидра буд макон,
То бад-ин жо бикард рафоқат он.
Рухсат аз ҳазрати шаҳи лавлок,
Ёфта монд дар он манзили пок.
То ба Сидра Буроқ сайр намуд,
Монд аз пўя, узр гуфт ва дуруд.
Рокиби Рафраф, он шаҳи чолок,
//3^a Шуда, бигузашт ба як дам аз афлок.
Ҳамаи афлокиёни қуддусий,
Дар раҳаш мунтазир ба побўсий.
Рафт дар курси шоҳи курси нишин,
Шуд аз инжо гузашта арш гузин.
То ба тоқи равоқ арши мажид,
Манзилу мақсадаш, ки буд расид.
Шуд берун аз даруни кавни макон,
Шуда манзилаш бад ун макон.
Ломакон аз шарофат шаҳи дин,
Шуда манзилгаҳи расули ойин.
Мизбону меҳмон Аҳаду Аҳмад,
Жўши эҳсон уруж кард аз ҳад.
Баҳри ваҳдат чунон ба жўш омад,
Кўси озодий дар хуруш омад.
Ончи сире дар он замон ки гузашт,
Кас надонист ки дар миён чи гузашт.
Хос шуд дар даруни хилвати роз,
Матлаби худ расонд ба ажзу ниёз.
Матлабашро бидод ва кард икром,
Инчунин бар Набий алайҳиссалом.
Кас надонист чи кард дар он шаби қадр,
Лутфҳое ки Ҳақ ба он маҳи бадр.
Қоби қавсайн ки буд манзилгах,
Зада онжо ба манзилаш хиргах.
Рухсат аз Ҳақ ба сарафрозий ёфт,
Ғайри Ҳақ ҳар чи буд рўй битофт.
Боргоҳе ки бор он жо нест,
Ғайри маҳбубу ёр он жо нест.
Уммати худ талаб намуд аз Ҳақ,
Матлабаш дод он шаҳи мутлақ.
Гашт аз боми арш шаҳи лавлок,
Рўй овард сўйи сафҳаи хок.
Шуд ба кошонои моҳ ду ҳафта,
Гармии хобгоҳ норафта.
Субҳгоҳе шаҳи саодатманд,
Рафт баҳри намоз бо дили хурсанд.
Кард адои намоз бо одоб,
Рўйи худ кард жониби асҳоб.
Ҳақ ато кард давлати меърож,
Бар уружи малак бидод ривож.
Гуфт имшаб маро ба қурбати худ,
Ҳақ талаб карда лутфҳо бинмуд,
Ончи диду шунид гуфт расул,
Баҳри уммат, ки Ҳақ бикард қабул.
Зи хулафо гашт аз ин хабар масрур,
Таҳниятҳо расонд, кард сурур.

Оли асҳоби ў ки бишниданд,
Шуда масрур сидқ варзиданд.
Аҳли ислом жумла уммат,
Бишниданд сурўши ин давлат.
Бо чунин давлати баланд поя,
Ҳақ расонда зи лутфи беғоя.
Ҳақ ато кард зи лутф ин рутбат,
Нарасад анбиё ба ин қурбат.
Ваъдаҳои ки Ҳақ шаби васлат,
Бар расул карда бад ин уммат.
Гуфтани он на ҳадди имкон нест,
Суфтан дар он на осон нест.
Ҳадди кас нест васфи он шаҳи бадр,
Кардан аз ажзи ман низ он шаби кадр.
Чи тавон гуфт аз олами улво,
Он ки бошад зи олами суфло.
//3^б Мадҳи алқоби чаҳор ёри ў,
Ту бигў, бош дўстдори ў.
Буд Абу Бакр аниси пайғамбар,
Баъди ў шуд ба умматаш раҳбар.
Баъди ў Садиқ амиру аъм ў буд,
Салтанату жабҳа бар дари ҳар ду суд.
Жонишини халифаи дуввум буд,
Усмон халифаи севвум буд.
Чаҳорўмин буд Ҳайдари ҳиядар,
Ин амми расул, шаҳи сафдар.
Бар хилофат нишаст баъди падар,
Шоҳ Ҳасан ибн бинти пайғамбар.
Баъди у шоҳ Ҳусайн ибн Али,
Шуд ба тахти бародараш, ки вале,
Буд аъмаййин Ҳамза-ю Аббос,
Ёфта шаръи дин аз ин ду асос.
Ровиён аз Оли асҳобаш,
Гўйи сабқат рабуд аз арш то фарш.
Он имомоне, ки буд Оли набий,
Бар сипехри дин ҳамчу Муштарий.
Тобеъине ки зи баъд аз асҳоб,
Роҳ гум кардаро шаб маҳтоб.
Он имомон ки соҳиби мазҳаб,
Буд Нўъмони Шофеъи матлаб.
Низ Молик ва Аҳмаду Ҳанбал.
Чаҳор шамъанд уммати мурсал.
Уламоён зи баъди мужтаҳидин,
Ҳодии роҳи шаръ, машъали дин.
Ҳама дар роҳи шаръ пўйиданд,
Ба тариқи салоҳ кўшиданд.
Маъдалат пешағони тахтнишин,
Тождорони салтанат ойин.
Фақирпарварони оламжў,
Дўстдорони мардуми ҳақгў.
Шаръ равнақ зи ҳиками онҳо ёфт,
Зулму бидъат зи мулк рўй битофт.
Фарз, вожибу суннат ва истиҳбоб,
Дар амал жорий ҳамчу жўйи пуроб.
Ҳакамро на ба асри худ жорий,
Инчунин карда поси диндорий.
Бигузаштанд ҳама раво аз фано,

Дар роҳи бандагий ба дори бақо.
Эй Худоё, ба ҳақи зоти худ,
Номи поки ту ва сифоти худ.
Жумла пайғамбарон ки дар раҳи ту,
карда жонҳо фидо ба амри ту.
Ба хусус он, ки буд маҳбубат,
Хондаи ту ба лутфи маъшуқат.
Рутбаеро ки ту ато карди,
На ба хосони анбиё карди.
Талабиди зи лутфи ҳазрати худ,
Шоҳид ба шурби ваҳдати худ.
Ба рӯйи он жо, ки жо намеғунжид,
Жо чи бошад, дунё намеғунжид.
Ҳар чи ў аз ту хост карди қабул,
Ин фазилат надида ҳеч расул.
Ҳурмати Оли муқаррибони малак,
Малакони самову ба исмак.
Ҳурмати он, ки баргузидаи ту,
Ғайри ў пеши худ бизадаи ту.
Ҳурмати он, ки буд ёронаш,
Олу асҳобу дўстдоронаш.
Ҳурмати тобеъин ки бо рӯйи ў,
Баъди асҳоб буд бас рӯйи ў.
Ҳурмати жумла соҳиби мазҳаб,
Ишқи ёрони беҳуди машраб.
Аҳли иймон ва ҳурмати ислом,
Онки мақбули ту шудааст тамом.
Ҳурмати худ ба ҳақи ин хосон,
Як саломат ба сокинон чунон.
Шаръро поймоли куфр макун,
Илмро зери дасти жаҳл макун.
Тождорони хиттаи ислом,
Жумла мўъминон – хосу ом.
Ту ниғаҳдор дар ҳимояти худ,
//4^a Ту диҳи нусрат аз инояти худ.
Сояи куфр дур аз ин амлок,
Ҳамчу хуршед кун зулмат пок.

Шундан кейин:

~руғ таъблиларнинг нурли қалблари ва маъно эгаларининг ёғдуга тўла кўнгилларига маълум ва равшан бўлсинким, қадим замонларда ўтган ва кейинги даврларда ҳукм сурган давр султонлари ҳар бир асрда маконларнинг энг шарафлиси ҳисобланган ва ўлкаларнинг энг афзали саналган шаҳарларни ўз юртлари учун пойтахт қилиб, ўша ерда давлат ноғорасини чалишган ва салтанат келинчагини безатишган. Таъбларига мос равишда давлатхона ва ҳукумат идораси иморатларини қурдирганлар, шоҳона чодир ва сарой тиклатиб, бу ўткинчи қуйи оламда ўз пойдевори ва дабдабасини кўк осмонга ўхшатиб ва ўз кавкабасини юксак чарх каби зийнатлаб, беаганлар. Ўткинчи даври давронларини муалло чарх айланаси сингари маҳкам ва мустаҳкам қилиб, адолат пешали султонлар ва оқибат ўйли хонларнинг путурдан кетиш жойи бўлмиш давлатнинг ғурур домида ва ғафлат қувончи кўрпа-тўшагида ўзларининг қимматли умр ва сармоя замонини зое қилиб, кеккайиш билан ўтказганлар. Неча минг тождор, соҳиби афсар ва кулоҳдор куёвларни дилфиреб оройиш, ажойиб намоишлар билан бу кекса ялмоғиз кампир, яъни айёра дунё алдаб, давлат сурури, хашамат, салтанат ва жоҳу жалол ғурурларини бир эснаш ва бир миҷжа қоқиши билан шахду шакардек лаззатли бўлган комронлик маззаларни ажал шарбати ила заҳарли қилади. Уларни ўзи билан ётиш ва бирга бўлишдан маҳрум этиб, янги куёвга келин бўлиш пайига тушади. Бу ажуза кампир бўлган дунёнинг дилфиреб жамоли ва кўп зарар етказадиган васлига маҳлиё бўлганлар билмадиларким, бу бокира қари ва фартут кампир, завол келтирадиган, зиёнли ва фойдасиз, имонини кўлдан бой берган ажуза садоқат қилмай этагини ҳасрат ва надомат кўлига беради, ғурбат билан уни

тўлдирди, бевафолик шеваси ва дилраболик нағмаси билан барчани сафдан чақаради ва қўлларини бўм-бўш қилиб кузатиб юборади. **Қитъа:**

Фиреби ғамзаи ин пир кас набояд хўрд,
Ки оқибат ҳамаро рў бар ҳалок хоҳад бурд.
Касе ба шоҳиди зулфи бақо агар дил баст,
Ки дил зи васваси пиразол пок бурд.

Билмоғ лозимки, бу қари ажуза кампир ва соқолу мўйлови бўлмаган бу золи қадима билан муомала қилишда шундай йўл тутиш ҳам бўлган. Олийшон подшоҳлар ва баландмакон ҳукмдорлар, адолатни касб этган ва ахлоқлари яхши бўлган, саодатли ва хислатли кишилар бу келинга ўхшаган зол ва беҳудагап кампир //4^б билан биринчи никоҳ кечаси унга уч талоқ бериб, уни ўзларига ҳаром этганлар. Қадимий моликул-мулк ризоси ила сиротал-мустақим йўлида мустақим туриб, шариат шоҳ йўлидан чиқмаганлар, тождорлик салтанати ва ҳукмронлик ишларида хоксорликни касб этиб, ўз вақтида мустақимларнинг ҳақларини бериб, “Исрофгарчилик қилманглар”³⁰¹⁰ деганига амал қилиб, кундалик ҳисоб-китобларин қилиб, ғофилликка йўл бермаганлар. Адолат вақтида етимлар ва фуқарога оталик ва биродарлик кўзи билан қараб, раҳм этган, уларнинг аҳволидан хабардор бўлган. Адолат билан ҳукм суриб, барча ҳукмдорлик ишлари ва султонлик муомалани дин асосида ва адолат юзасидан давом этдирган. Улар адолатли султон Аллоҳнинг сояси деган шарафга мушараф бўлдилар. Улар лаёқатли қоматлари ва зарофатли ҳайбатларини адолат либоси билан ораста қилиб, дастурхонларини: “бир соатлик адолат минг соатлик ибодатдан яхшироқдир”, деган эҳсонидан тўлдирдилар. Бундай кишилар фоний бу дунёдан ўтган бўлсалар-да ҳам ўзларидан кейин яхши ном қолдирдилар.

Назм:

Шаҳонро бувад зер бошу нўш,
Шаҳиро адолат буда асту бўс.
Ба ҳар мулк инон гар кунад мунъатиф,
Зафар пешрав мешавад чоплус.
Зи шоди зананд аз уруж суруш,
Ба номи накўяш дар афлок кўс.
Чунин навжавон шоҳи адл интизом,
Сазовори домодии ин арус.
Зи адл аст ободии ин саро,
Ки кафҳо пур аз симу зар чун фулус.
Чу анқо гадо домани нести,
Гирифт ва шуда бар адам дастбўс.
Ба адл он жаҳондор Руме гирифт.
Зи Эрону Ҳинду Хито то ба Рус.
Алам дар жаҳон номи Кисро ба адл,
Шуд арчи варо буд дини мажус
Навозе хуш аст дар садо кўси адл,
Вагарна ба шом ҳамчу бонги хурўс.
Чунин аст гиру дори давлат ҳаме,
Асоси бе эътибори олам гў тиҳи.

Насиҳат:

Бувад шоҳро беҳтар аз тожу тахт,
Пас аз ў бимонад ўро нек бахт.
Шавад бо сари зиндаги ном нек,
Аз ин дори фони кашад ў чу рахт.
Шавад номи неки варо дастгир,
Дар он вақти пурхайбат рўзи сахт.
Ба фардо шавад некномии шоҳ,
Ба фарқи сараш ҳамчу Туби дарахт.
Набойист баъд аз шаҳон номи нек,
Мегардад хароб ҳамчунин кўху тахт.
Эй шаҳ хуш аст некномии даҳр,
Ба бадноми мурдан беҳ аст хўрда захр.

³⁰¹⁰ Қуръони карим, 6:141.

Шундан сўнг: Фарғона мулки хоқонлари ишлари баёни ва салтанат уйи Хўқанд шахрининг бино қилиниши ҳамда бу хонларнинг салтанат даври муддати ва ҳукм юргизиш тартиб-низоми саналари қисқача равишда **“Ибратул-хавоқин”** китоби силкига киритилиб, мадҳлар ва қасидалар билан бирга ёзув тизимига терилди.

Эндиликда қаламнинг тахт пояли қимматбаҳо жиловини Фарғона мулкининг хоқонлари воқеалари майдони ва бу осмон остонали юрт хонлари амирлиги ҳикоялари сари буриб, улар салтанати ва ҳукмронлиги муддатини //5^б маржондек тарихлар тизими билан назм ва наср силкига тортиб, улар баёнини қисқача тарзда адо этажак. Бунинг сабаби шуки, ҳеч нарса билмас ушбу нодоннинг ота-боболари қадим замонлардан бери бу даргоҳнинг давлатхоҳ ва бўсаға ўпувчилари, бу саройнинг товоқ яловчиларидан бири бўлиб келиб, Эрдонахон замонидан то жаннатмакон Умархон³⁰¹¹ замонигача ота-бобом ва амакиларим ва бу каминанинг ака-укалари султонлик номуси ва туз-намак таниш ҳақи сабабидан бу баланд маконли хонадон душманларини тор-мор келтириш ишида жонбозликлар қилиб, ўз бошларини фидо қилиб, хизматкорлик ва жон беришлик майдонида мусобақа коптоғини олиб қочиб юрганлар. Бу камина қадимги давлатхоҳлик жиҳатидан ўзимча ўйладимки, ер юзининг барча султонлари қиссаларини китобат силкига териб, муболаға ноғораси саси овозасини оламга ёйиб, уларнинг воқеалари васфларини чиройли иборалар ва малиҳ забонлик билан борлиқ юзасига чиқариб, қиссалар боғлаганлар ва уларнинг мактовли васфларини ширин забонлик билан адо қилганлар. Уларнинг кўпчилиги мажусий динида бўлиши ва ботил дин ноғорасини олам аро янградганига қарамай, Фирдавсий *алайхурраҳма* уларнинг васфларини муболаға тариқи билан адо этиб, “Шоҳнома”ни тартиб билан такмилга етказиб, Ажам шоҳлари овозасини олам аро ёйди. Шунингдек, етти иқлим шоҳларини аҳволига яраша тарихлар боғлаб, уларнинг қиссаларини китоблар варақларига битганлар. Бу дуоғўй бошнинг эски ғайрат томири ҳаракатга келиб, ўзича ўйладики, ер юзи шоҳлари барчасининг номлари абадий қолишига сабабчи бўлиб, улар салтанати ишлари воқеаларини қиссалар ичра аён этганлар ва уларнинг яхшилик номлари овозасини олам аро ёйганлар. Нега сен туркий халқлар хонларининг энг муаззами бўлмиш Фарғона мулки хоқонларининг салтанат ва фармонраволик ишлари қиссаси ва бу бошқарув паноҳдилар амирлиги-ю, юрт олишлик афсонасини мадҳ, қасида, тарих ва қисса шаклида китобат тизимига киритиб, гўзал ахлоқи даракчиси бўлмай келдингки, бу олий манзиллик тождорлар ва салтанат майдони суворийларининг яхши номлари ёйилиши ва мангулик касб этишига сабаб бўларди. Шунга биноан, бу қисқа идрокли, ноқис банда бу фаррухобод Турон мулки султонлари аҳволлари ва ахборлари ва улар замонида рўй берган ҳодисаларни ва, айниқса Норбўтахон замонидан то ушбу ҳижрий бир минг

³⁰¹¹ Умархон – Амир Умархон, Амирий Қўқон хони (1810–1822), зуллисонайн шоир. Норбўтабийнинг ўғли. Ўзбекларнинг минг уруғидан. Бошланғич саводини оилада чиқариб, кейин мадрасада таҳсил олган. Ёшлигидан сарой хизматида жалб қилинган: акаси – Қўқон хони Олимхоннинг давлатни бошқариш ишларида фаол иштирок этган. Олимхон 1807 – 08 йилларда унга Фарғона ҳокимлигини топширган. Шу йилларда у Андижон ҳокими Раҳмонқулибийнинг қизи Моҳларойим (Нодира)га уйланган.

Ҳоким табақалар Олимхоннинг Тошкентда кўтарилган ғалаённи бостириш учун қўшин тортганлигидан фойдаланиб, фитна уюштирадилар ва 1810 йили Умарни хон қилиб кўтардилар, Олимхон эса ўлдирилади. Умархон Қўқон хонлиги ҳудудини кенгайтириш, ҳокимиятни мустаҳкамлаш сиёсатини олиб боради. Бухоро амирига қарашли Туркистон ш. (1815), Ўратепани (1817) босиб олган. Сирдарё бўйидаги ерларда Янгикўрғон, Жулак, Қамишкўрғон, Оқмачит, Қўшкўрғон номли ҳарбий истехкомлар қурдирган. Улар Ўрта Осиёни Россия билан боғлайдиган муҳим савдо йўлида жойлашган эди. У Россия билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилган. Умархон даврида Қўқон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам, Авлиёотада масжид ва мадрасалар қурилиб, қабристонлар тартибга келтирилган. Шаҳрихон шаҳарчаси барпо этилган, янги кишлоқлар вужудга келган. Хон амалдорларининг талончилик сиёсатига қарши Чимкент ва Сайрамда кўтарилган кўзғолон бостирилган. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқонда ўзига хос илмий-маданий муҳит вужудга келган – унинг бошида турган маърифатпарвар ҳукмдор Умархон илм, маданият, санъат, адабиёт, турли касб-хунарларнинг ривожига катта эътибор берган, мадрасаларда ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилаган, турли хунар мактаблари очилишини қўллаб-қувватлаган. Ўзи ҳам Амирий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг атрофида 70 дан ортиқ шоир йиғилган. 1821 йилда Фазлий Наманганий Умархоннинг амрига биноан, 63 нафар шоирнинг шеърларини ўз ичига олган “Мажмуаи шоирон” тўпламини тузган. Уни улуғлаб қасидалар ёзиш, ғазалларига татаббуълар боғлаш бу шоирлар ижодида етакчи ўрин тутган.

Умархон Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедилни ўзига устоз санаб, улардан ижод сирларини ўрганган, уларга эргашиб ижод қилган, ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Арузнинг туркий адабиётда машҳур, халқ ижодида ҳам кенг тарқалган енгил ва ўйноқи вазнларидагина ёзилган бу шеърларнинг барчаси ишқу муҳаббат мавзуида. Уларда анъанавий мавзулар ва тасаввуфий руҳ устун. Ўзбек ва форс-тожик тилидаги шеърларини тўплаб, девон тартиб берган. Девон ғазал, мухаммас, мусаддас, туюқ жанрларидаги 10 минг мисрадан ортиқ шеърни ўз ичига олган.

Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг матншунослик ва ёзма ёдгорликларни нашр этиш бўлимининг илмий ходимлари томонидан Умарнинг турли даврларда кўчирилган 26 та қўлёзма девони ҳисобга олиниб, уларнинг илмий тавсифи берилган. Бу қўлёзмалар Санкт-Петербург, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро кутубхоналарида сақланади. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Умархоннинг 17 та қўлёзма девони мавжуд. Бундан ташқари, литографик усулда чоп этилган девонлари ва шоир шеърларидан намуналар берилган баёзлар бор (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси).

уч юз еттинчи (1889) йилгача бу камина зоҳир кўзи ва ҳозир қулоғи билан кўриб-эшитган нарсаларини ва улар қиссаларини варақлар саҳифаларига битиб, китобат тизимига терди.

//6^a Келишмовчилик ёки бирдамлик замони аро нифокнинг шум оқибати мулкни душманлар саманди туёғи остига ташлаб, мамлакатнинг бир неча йиллик обрўсини қора тупроқ билан тенг қилишига оид нимани кўрган ва мушоҳада қилиб, тажрибалар орттирган бўлсам, уни келажак замонлар авлодига ибрат дарси бўлиши учун ўтган ва ҳозирги султонлар мақолоти сифатида китобат ипига териб, жилд қайдига жойладим, токим ҳар бир мажлис ва маҳфилда ўша жилд қайдини очиб, бу мулк ҳоқонлари васфини, хусусан, бу мамлакатнинг зийнати ва оройиши, хотиржамлик ва осойиши сабабчиси бўлмиш олий сифатли Худоёрхоннинг васфини ўқувчи ва эшитувчи дуо билан эсга олса, Аллоҳ олдида азим савоб ҳосил бўларди. *Аллоҳ билгувчидир.*

ШОҲРУҲХОН³⁰¹² САЛТАНАТИ БОШЛАНИШИ АВВАЛИДАГИ ВОҚЕАЛАР

Бухоқоннинг ушбу ўлкада шоҳлик тожи зийнат топиши сабабчиси ва мулк бирлиги-ю, эл-юрт ободлиги, шаҳриёрлик асъасаси-ю, дабдабасининг юзага келиши боиси, Хўқанд шаҳри бино этилиши лойиҳачиси ва олий қаср яратилиши асосчиси ҳамда насабининг Бобурхон³⁰¹³ ибн Умар Шайх Баҳодирхонга бориб уланиши ҳикояси қуйидагичадир.

Бобурхон Самарқанддан қочиб, йўли бу мулк узра тушган вақтда зотидаги туғма фаросат орқасида, бу ўлканинг сероблик ва хушҳаволиги юзасидан обод бўлажагани англаб, унда катта ва кенг бир шаҳар яралиши мумкинлигини кўз олдида келтирди.

Бобур Мирзо Хўқанд сойдан кечиш маҳали, қараса, сув бўйининг анча нарироғидаги у томон қирғоғида тумонот одам йиғилган.

Шунингдек, сойнинг нариги бетида, яъни ўзи турган ерининг нақ рўпарасида эса, қимматбаҳо ипакдан тўқилган атлас ёпинғичли олтин бешик ва унга йўргакланган бир чақалоқ кўзга ташланмоқда.

Шунда Бобурхон дарҳол сойдан кечиб ўтиб, чақалоқни ўша қимматбаҳо йўргакли бешик билан бирга ўтарлик жойга келтириб қўйди ва хушёр бир мулозимини чақалоққа қараб туриш учун тайин қилиб, унга: – Чақалоқни шу диёр одамларидан биттаси тарбиялаш учун ўз бағрига олгунига қадар пана жойда аҳволдан хабардор бўлиб тур. Гўдакни олишгач, кетимиздан йўлга чиқиб, бизга етиб ол, – деди-ю, ўта тезлик билан йўлида давом этди.

Ўша вақтларда бу ерларда ҳозиргидек иморатдан ҳеч бир асар ва аҳолидан ҳеч бир жонзот йўқ эди. Фақат сойнинг икки қирғоғи бўйлаб то охиригача Чинкат, Пиллахон, Сарой ва Тарғова ва Тўролғир каби беш-олтита деҳа (қишлоқ) бор эди, холос. Бу жамоа ҳам уч гуруҳ эди. Улардан бир тўпи Найманча³⁰¹⁴ сойига қарашли эди. Икки тўпи эса, Калон сойдан сув ичишарди.

Бир куни уч гуруҳ кишилари биргаликда даштга ариқ қазиш учун чиқиб, сойнинг икки тарафида айланиб юришаркан, шунда ўзларидан сал олдинроқ, қибла томондан анчагина жамоа келиб, сойдан ўтиб, сўнг шарқ тарафга кетганини кўриб қолишди. Бу ўзбеклар жамоаси бу аломатларни кўриб, воқеани аниқлаш пайига тушдилар ва улар кетидан юрдилар. Шунда йўл устида қимматбаҳо гавҳарлар билан безатилган ёпинғичли бир олтин бешикни кўриб қолдилар. //6^b Унга йўргакланган чақалоқ ҳам қимматбаҳо жавоҳирга кўмиб қўйилган эди.

Ул учта гуруҳ бешикни чақалоқ билан бирга жуда эъзозлаб кўтарганча, орқага қайтиб кетишди.

Бешикни четроқда кузатиб турган қоровул йигит бу аҳволни кўриб, хотиржамлик билан йўлга тушди ва Бобурхоннинг орқасидан кетди.

Чақалоқ ва бешикни қўлга киритган ўзбеклар ўз йиғинини тарқатмасдан, бир ерга бориб ўтиришда ва маслаҳат қуриб, “бизлар уч гуруҳмиз, бола ва бешик ва бойликни уч қисмга бўлиб, чек ташлаймиз, қайси гуруҳнинг чекига тақсим қилинган нарсдан қай бири тушса, ўшани олаверади” деган таклифни ўртага ташлашди. Бу таклиф барчага бирдек маъқул келиб, бир оғиздан шунга қарор қилинди ва тақсимотда бола, бешик, ашё ва жавоҳирлар уч қисмга бўлиниб, шундан сўнг чек ташланди. Чақалоқ Тарғова гуруҳи чекига тушди, буюм ва ашёлар сарой мавзеси қавмига тегди, бешик чинкантиклар қўлига ўтди.

³⁰¹² Шоҳруҳ (Шоҳруҳ II) 1121/1709 йили хон қўтарилди ва 1134/1721 йили вафот этган.

³⁰¹³ Бобурхон – Заҳираддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) – Фарғона ҳокими (1494–1500), Мовароуннаҳр учун урушлар олиб бориб, 1512 йили Самарқандни тарк этиб, Кобулга қайтгач, 1518–1525 йиллари Хайбар довонидан ўтиб, Ҳиндистоннинг Панжоб вилоятига юришлар қилган. Ҳиндистонда Буюк мўғуллар империяси номи билан шуҳрат топган бобурийлар давлатига асос солган (1526 – 1858), буюк саркарда ва давлат арбоби, таниқли шоир ва ёзувчи.

³⁰¹⁴ Найманча – Фарғона вилояти Данғара туманидаги қишлоқ номи.

Алқисса, ҳар учала гуруҳ ўз тақсимотларидан рози бўлиб, жуда хурсандчилик билан ўз улушларини олиб, ўз даҳаларига равона бўлдилар.

Шундан сўнг Тарғова ўзбеклари жамоаси бола тарбиясига киришиб, гўдакни бир тақводор ва покиза аёлга топширдилар. Ул оқила аёл бола тарбиясига бирор сония ҳам ғафлат ва пайсални раво кўрмади. Чунки ўзбеклар бу боланинг насаби ҳақиқатини текшириб, унинг асилзода эканини аниқлаган эдилар ва, шу сабабли ул шоҳзода исмини “Олтин Бешик” деб кўйдилар.

Бир неча йил ўтгач, бола балоғат ёшига етиб, уни уйлантириш учун чиройли бир келин излаб топиб, никоҳига киритдилар. Бу никоҳдан бир ўғил вужудга келди ва унга “Султон Илик” деб от кўйдилар.

Султон Илик улғайгач, уни ҳам уйлаб, Султон Иликдан ҳам бир ўғил туғилди. Унинг исмини “Султон Худоёр” деб атадилар.

Султон Худоёр ҳам бўй етиб, уни ҳам уйлантирдилар. Ундан бир ўғил дунёга келиб, “Абулқосим” деб номланди. Абулқосим ҳам ўсиб-улғайиб, у ҳам куёв бўлди ва “Шаҳмастбий” исмли ўғил кўрди. Ҳозирда бу исм “Чамашбий” шаклида талаффуз қилинади.

Чамашбий бўй етиб уйлангач, ундан туғилган ўғилга “Шоҳрухбий” деб от кўйдилар.

Шоҳрухбайдан “Рустамбий” исмли ўғил дунёга келди.

Рустамбайдан “Ҳожибий” отлиғ ўғил вужуд оламида жамол кўрсатди.

Ҳожибийнинг ўғил зурриёти “Ашурбий” деб ном олди.

Ашурбий белидан эса “Шоҳрухбий” дунёга келди.

Олтин Бешик билан бу Шоҳруххон орасида шу зайл ўн пушт аждод ўтиб, бу муддат икки юз йилни ташкил қилди³⁰¹⁵.

//7^a Мазкур Шоҳруххон вужуд оламига келаркан, у ҳам шу диёрда униб-ўсиб, балоғат ёшига етди. Унинг манглайдан давлат шукуҳи чарақлаб ва вужуду симматидан шижоат аломати кўриниб турарди. Йигит ҳамиша ҳайвонларни овлашга машғул бўлиб, отдан тушмас, ўқ-ёй каби қуролларини ёнидан сира айирмасди.

Қадимий ўзбеклардан баъзисининг гаплари ва айрим эски доноларнинг сўзига қараганда, кунлардан бир кун шикор йўсини билан чиққан бир подшоҳнинг йўли шу диёрдан тушиб қолган. Бу пайтда Шоҳруххон ўн саккиз ёшда эди. У ҳам ана шу овда қатнашиб, қизгин ов чоғи бир арслонни найза захми билан мажруҳ қилди ва ўз овини подшоҳ назарига етказиб, подшоҳдан кўп марҳамат кўриб, тўла эъзоз ва шафқату илтифот топди. Шунингдек, подшоҳ унинг ғайрат ва шижоатини кўриб, бағоят лутфлар ва бениҳоят эъзозлар билан сийлаб, бу шаҳар ҳокимлигини унга топширди.

Шу зайл хонлиги бошланишидан то ўлгунига қадар Тарғова ва Чамашбий туманида турғун ҳаёт кечирди.

Оламдан ўтганида ундан уч ўғил фарзанд қолди: Абдурахимбий, Абдукаримбий ва Шодибий; Шоҳруххон вафот этгач, тўнғич ўғли Абдурахимбий хонлик тахтига ўтирди.

Шоҳруххон Эски кўрғон қалъаси ва аркини қурдирди. Айрим ўзбекларнинг айтишича, у пайтларда Хўқанд шаҳри ҳали барпо қилинмаган эди.

Энди яна гап бошига қайтайлик. Хуллас, ўша замонларда Чодак мавзесида ерлик хожалар истиқомат қилиб, шу яқин атрофдаги Тарғова, Чамишбий, Хажкант, Паллахон, Тўқайтепа, Парток, Тепакўрғон, Қайнар сингари айрим туманлар ва шунга ўхшаш яна бир неча мавзелар ҳукумати тизгинини ўз қўлларида ушлаб ўтирар эдилар.

Ўша кезларда мазкур туманлар ўзбекларининг бир тўйлик иши чиқиб, бариси ана шу давлатмандлик тўйига тўпландилар. Ўша йиғинда ўзбекларнинг оқил кишилари маслаҳат қуриб, бири-бирига “кўрғон қалъасининг бир нечта сув ичувчи туманлари бўлатуриб, ўзимизга бир тахт эгасини сайлаб, унинг бошини тож билан безаб, ўзимизга йўлбошчи қила олишга лаёқатимиз йўқми, ахир?” дедилар.

³⁰¹⁵ Ҳижрий 1066 йили, шаввол ойида (милодий 1656 йили 23 июл – 21 август) Олтун Бешик вафотидан кейин Фарғонанинг барча эли аржуманд фарзанд Тангриёрхон лақабли Султон Эликхонга қайтадан аҳд-паймон қилдилар. Ўзбекия расму русумига мувофиқ вакиллар уни оқ кигизга ўтқазиб, унинг тўрт бурчагидан кўтариб зарин тахт узра ўтқаздилар. Дирҳам ва динорларнинг юзи унинг исмидан зеб-зийнат топди, минбарлар боши унинг номидан мунаввар ва мукаррам бўлди. Унинг лутфи, рушди, адлу адолатидан мамлакат маъмур ва райят масрур бўлиб, муҳаммадия дини ва расму русумининг тараққийси, аҳмадия шаръи шарифининг тақвиятига кўп саъй ва ҳаракат қилди. Унинг давлати ва салтанати замонида деҳқонлар ва хунармандлар ҳар тарафдан келиб, зироат ва саноат ишларига ривож бердилар. Тарғова мавзеида унинг ҳаракати ва ҳиммати билан бир улкан ариқ қазилиб, унинг икки томонидаги ерларни ерсиз одамларга ва кўчманчи аҳолига тақсим қилиб бердилар. Қуруқ ерлар экинзорга ва сувсиз саҳролар боғу бўстонга, чаман ва гулистонга айланди. Ҳозирги аср халқи Хўқанд шаҳри ичидаги бу анҳорни Каттасой дерлар...

Бу маслаҳат халқ олқишига сазовор бўлиб, барча ўзбеклар бирдамликда бу ишни маъқул топдилар ва: “Олтин бешик наслидан Чамишбий авлодидан Шохруххон ибн Ашурбек бизнинг орамизда мулкка эга шоҳзодалар сингари бизлар ҳақимизда ўзининг эҳсон саховати ва турли-туман неъматини дариф тутмай, ҳамиша чиройли ахлоқи ва мушфиқона муомаласи билан бу юрт равнақи йўлида қўлидан келганини аямай келмоқда. Умид қиламизки, салтанат сажжодаси устига ўтирса, бу янглиғ инъом ва икромни яна ҳам юксак бўлажак”, деган сўзларни ўртага солдилар. Шу зайл унинг амирлиги юзасидан бир нечта ёғли ва ширин сўзларни ўша йиғилганлар тўпи орасида баён этиб “дастлаб Шохруххонни амирлик тахтига ўтказамиз, шундан сўнг хожалар устига ёпириламиз” деган фикрни билдирдилар. Йиғилганлар бу маслаҳатга таҳсин айтиб, //7^б олқишга кўмдилар. Ўзбекларнинг барча *оқсоқол*³⁰¹⁶лари бир ерга йиғилиб, Шохруххонни Тарғовада хон кўтардилар.

Шундан кейин ўзбек қизларидан биттасини Чодак *ҳокими* бўлиб ўтирган хожага унаштириб, ўзларига куёв қилмоқчи эканини билдирдилар.

Хожалар бу кўнгилсиз ишнинг маълум бир ғараз йўлида амалга ошаётганидан беҳабар ҳолда жуда хурсанд бўлдилар ва тўйга яроқли асбоб, тухфа ва совғаларни саранжомлаб, дарёдан ўтдилар.

Бу томондан ўзбеклар кутиб олиш учун чиқиб, беҳад иззат-икром ва ҳурмат-эҳтиром билан хожаларни келтириб, кўнгил очар уй ва кувонч орттирар мақомга етказдилар. Уларнинг қирқ нафар мулозимларини ҳам ўзбекларнинг уйларига кўноқ сифатида бўлак-бўлак қилиб тарқоқ ҳолда жойлаштирдилар ва ҳар бирига бир нечта девкалла, қалпоғи кенг ўзбекни мезбонлик хизмати учун тайинладилар.

Еб-ичиш ва меҳмондорлик ишларидан фориф бўлишгач, ўзбеклар бир овлоқ ерга тўпланиб, куйидагича қарор қабул қилдилар: – Куёв чимилдиққа киргач, битта қуруқ таёқни қатта бир дарахтнинг икки шоҳаси орасига қаттиқ жойлаб, бор куч билан синдирамиз. Таёқ сингани овози эшитилгандан сўнг куёвни чимилдиқ ичида, унинг мулозимларини эса ўтирган уйларида босиб, ўлдирамиз.

Ана шу қарордан сўнг бу мудҳиш ишни амалга оширишга киришиб, дастлаб куёвни куёвлик расми бўйича чимилдиқ ичига киритиб юбордилар. Бироздан сўнг эса, келишилган маслаҳатга амал қилиб, таёқни синдирдилар. Таёқ сингани овози эшитилгани заҳоти куёвни чимилдиқ ичида ётган ҳолда ўлдирдилар.

Унинг мулозим ва аскарларини ҳам қай бир уйда ётишган бўлса, ўша ерда қатлга етказдилар. Ўлганларнинг от ва асбобларини олиб, Шохруххонга туғ ва байроқ ясаб, эртаси куни тонгда отларга миниб, ўта тезлик билан йўлга тушиб, Сирдарёдан кечиб ўтдилар. Дарёдан ўтгандан сўнг қўшинни бир ерга жамлаб, камонларга ўқларни жойлаб, кейин тез суръатлар билан йўл юрдилар ва Чодакни босиб, у ерни ўз тасарруфига киритдилар. Аскарлик аслаҳаси, хазинадаги-ю, хазинадан ташқари нима бойлик бўлса барини қўлга олдилар.

Дарёнинг у тарафидаги туманлардан то Наманган чегарасигача бўлган барча ерларнинг аён ва *оқсоқол*ларининг ҳаммаси Шохруххон ҳузурига келиб, хон назаридан лойиқ тортиқ ва муносиб пешкашлар ўтказдилар. Шохруххон ҳам уларнинг ҳар бирини ўз обрўларига яраша подшоҳлик қоида ва русуми бўйича сийларкан, ҳеч қайсисидан шафқат ва марҳаматини аямай, ҳар бирининг бошини қимматбаҳо тўнлар билан баланд этди. Сўнг кетишлари учун рухсат берди.

Шохруххон томонидан хонлик муомаласи ва султонлик қонун-қоидалари шартлари чиройли бир тарзда дарёнинг у томони ва //8^а Наманган сарҳадидан то Шаҳидон ва ҳозирда “Понғоз” деб аталадиган Понсод Ғози чегарасигача бўлган ҳудудлардаги барча туманлар халқлари устида амалга ошиб, қабих расмларга барҳам берилди.

Хон бир неча кун Чодакда туриб, мазкур туманларга волий ва ҳоким тайинлаб қайтаркан, кўп мол-мулк ва чексиз ғалаба билан ўзбекия даҳаларининг энг фозили ва сартия³⁰¹⁷ туманларининг энг шарафлиси бўлмиш Тарғова ва Чамишга келиб тушди. Сўнг ёнидаги йиғинни тарқатиб юбормасдан, хонлик ишлари ва султонлик юмушлари маслаҳатига киришди. (Шохруххон) анча гап-сўздан кейин: “Душманларнинг ғафлат уйқусида ётганлари уйғонмасдан бурун ва ҳосидларнинг ғофилпеша кишилари огоҳлик топмасдан илгарироқ, ана шу ғанимлар қонини тўкиш учун, қинсиз шамшир ва ғилофсиз қиличларимизни мустаҳкам жой топиб, давлат ва салтанатни мустаҳкамлаш ва ҳашамат-шавкатни анжомлаш учун мазбут ва мустаҳкам янги қалъа ва темир қўрғонлар барпо қиламан. Зеро, салтанат ишларини бажариш қалъа ва арксиз муяссар бўлмайди.

Қитъа:

³⁰¹⁶ Оқсоқол – қабилла, уруғ бошлиғи.

³⁰¹⁷ Сартия/сартлар – тожик ва ўзбек тилларида сўзлашувчи Ўрта Осиё шаҳарларининг аҳолиси. Сарт сўзи қадимда қарвонбоши, савдогар маъноларида ишлатилган.

Салтанат боғест бе девор ҳифзаш мушкил аст,
Бар сари он бе синони хор ҳифзаш мушкил аст.
Чор сони сидқи дил мебояду бедор чашм,
Шоҳро бе сидку бе тимор ҳифзаш мушкил аст”.

Қалъани қуриш учун, тажрибали, иссиқ-совуқда чиниққан ва иш кўзини билувчи кишиларга салтанат таянчи бўла оладиган қалъа барпо этишга яроқли бир маҳкам жой ва мустаҳкам бир макон топишларини буюрди. Бу иш юзасидан топшириқ олган масъул кишилар ана шундай муносиб ерни ахтариб топиш учун, хизмат камарини белига боғлаб, хондан рухсат олган заҳоти ишга тушиб кетдилар. Анча излаш ва ахтаришдан сўнг ҳозир Кўктўнлик Ото³⁰¹⁸ деб аталадиган ва иккита сойнинг қўшилиш жойи бўлмиш Эски Қўрғон заминини қалъа қуришга яроқли билиб, давлат масъуллари қулоғига етказдилар. Давлат устунлари ва салтанат аъёнларининг барчаси олий мақомли хон топшириғи билан ўша шарофатли, саодатли замин устига келиб, икки сойнинг қўшилиб оқиш жойи икки денгизга ўхшаш ва икки тоғ гавдали икки аждаҳо мисоли момоқалдироқ товуши гулдираши билан бир-бири билан чирмашиб, бутун оламни ўз остига олганини кўрдилар ва шу ерни қалъага яроқли билиб, барчаси биргаликда ҳозир “Боғбонлар маҳалласи” деб аталувчи Шарқий сойда шаҳар тартиб бердилар. Кўктўнлик азизлар бўлмиш икки сой оралиғида жар устида маҳкам қалъа ва мустаҳкам арк барпо қилдилар. Давлат устунлари ва салтанат аъёнларининг барчаси қалъа ва аркка яқин ерда уй-жой қурдилар ва ўзларига манзил-маъво қилдилар. Қисқа вақт қалъа ва Арк қурилиши ниҳоясига етиб, давлат гиламлари ва салтанат палослари билан безадилар. Бахтли бир куни ва оқибати мақтовли бир соатда кўплаб судур³⁰¹⁹лар ва чексиз сонли аскарлар //8^б ҳамда вилоят аъёнлари ва бутун мамлакат аҳолисининг авом ва хослари билан биргаликда тўла салтанат билан юксак бахтли ва кучли давлатли хонни шоҳлик либоси ва шаҳаншоҳлик асоси билан безаб, ўта карру фарр билан султонлик тахти ва хоқонлик кўрпачасига чиқариб ўтқаздилар.

Ўзбекларнинг авом ва хос кишилари шукрона йўлида бисотларида нима қимматбаҳо нарсалари бўлса, хоқоннинг бошидан сочиб, йўлига тасаддуқ ва нисор қилишди. Хурсандлик овозлари ва кулгу қаҳқаси ложувард осмон гунбазига кўтарилди.

Қутлов ва табриқдан сўнг тахтга чиқиш муносабати билан қутлаш учун, барча авому хосга аркка киришга рухсат берилиб, обу таом тортилди.

Шундан кейин шаҳар ва ён-атрофдан келган олимлару шайхлар, саййид ва хожа каби улуғларнинг барчаси Шоҳруххонни қайтадан тўла рағбат билан подшоҳлик кигизига ўтқазиб, табаррук йўсинида кигизга қўл текизиб, хон кўтардилар. Ул фароғат анжомли ҳузур ва саранжомли саловот сурурига эришиб, катта эъзоз-икромлар ва қимматбаҳо тўнлар билан сийлаган ҳолда мамлакат катталарига қайтиш учун рухсат берди. Сўнгра, давлатнинг ҳар бир амири ва салтанатнинг барча улуғларини қаср ичида ўзларига атаб қурилган ҳовлилар таништириб, улар учун вазифа тайинладилар.

Шоҳруххоннинг тахтга чиқиш санасини ушбу китоб иморати бинокори ва мана шу ҳарфлар роқими қуйидагича назм ипига териб, мусамман байтларини яратганди: **Таърих:**

Даври салтанатро то кунун аз шаҳи туркон гў,
Гузашти умри онҳоро ба суръат тезпаррон гў.
Асоси салтанати Шоҳрух бидод аввал ба Фарғона,
Ба аслу дар насаб обову аждодаш Кўрагон гў.
Аввал Арку давлатхона ў карда ба Кўктўнлик,
Дар онжо фатҳу нусрат ёфта аз лутфи Яздон ў.
Бигуфт соли жулуси шоҳ Шоҳрух хирад бар ман,
Агар жуйи ту таърихи жулуси ў “зи Шоҳрух жў”.

Билим арбоблари қалби ва кўрар кўз аҳллари кўнгилларидан яширин ва махфий қолмасинким, таърих асли “зи Шоҳрух жў” сўзларидан ҳосил бўлиб, “зо” биринчи ҳарф, “жў” охирги ҳарфлар бўлгани учун “шоҳрух” ичига киритилиб ҳисобланса, таърих ҳосил бўлади – сана 1121/1709–1710 йил.

Шоҳрухнинг салтанати даврида шайх домла Бозор Намангоний унга замондош бўлган эди.

Салтанати замони тўла ўн икки йил бўлиб, ўн учинчи йили вафот қилди.

Шоҳруххондан уч ўғил дунёга келди: биринчиси Абдурахимбек, ўртанчаси Абдукаримбек, учинчиси Шодибек.

³⁰¹⁸ Бугун Қўқон шаҳрининг шимол-шарқида, газ захиралари пунктида жойлашган Кўк тўнлик азизлар мозори.

³⁰¹⁹ Судур – аслида садри судур, барча садрларнинг бошлиғи. Садрлар вақф мулкларига мутасадди амалдор. Шулар устидан судур назорат қилган. Саййид ва хўжалардан тайинланар эди.

Шохрухбек салтанат тахтига чиқиш шарафини топмаган бўлса-да, хонлик расмларини ва хукмронлик муомалаларини маслаҳат қоидаси билан ижро қиларкан, ана шу каби оз фурсатда //9^a унинг салтанати муддати нуқсон топди ва бу икки йўллик келди-кетди саройидан хиром айлаб, ер ости уйида узлатга чекинди. Унинг вафоти таъриhini китоб битгувчи ушбу йўсинда топиб, назм ипига териб, қасида йўли билан адо этди:

Ёфт тахту салтанат зеб аз жулус ибтидо,
Кўси шоҳиро ба номи ў бизад лутфи Худо.
Зи тожи шоҳи сарбаланди ёфт аз фарқи сараш,
Дар фалак андохт ғулғули кўс аз жўши садо.
Шоҳидони мулку қасру тахт аз ў зебандаги ёфт,
Мустағний шуда аз ҳусну эҳсонаш гадо.
Чархи гардун бар муродаш чарх зад даҳу ду сол,
Бевафойро бар худ лозим бикарду ба аъдо.
Шоҳи фаррух бар нахўрд охир зи боғи зиндаги,
Тарки тожу тахт карду карда аз олам зиво.
Расми шоҳий сарафроз бар або-авлодаш гузашт,
Рафт аз олам шунида “иржаи” гуён нидо.
Эй Ниёзий, соли фавташро бижў ту аз хирад,
Токи аз ойинаи таърих кард ў занг зидо.
Инчунин гуфт пири хирад таърихи султони турк,
Вақти рихлат “хон Шохрух” шуд аз “атрокон” жудо.

Бу ўринда ўқувчига яна маълум ва равшан бўлсинким, “атроқ” сўзини “хон Шохрух”дан исқот қилинса, туғилиши санаси 1134/1721–1722 чиқади.

Шунингдек, Шохрухнинг вафоти таъриhini ўша замоннинг зариф-шоирларидан бири девона Машрабнинг пири бўлмиш, домла Бозорнинг сўфийларидан бирининг тилидан айтилган қабиха-ярамас бир сўзни эшитиб, ўша сўзларнинг ҳарфларини абжад ҳисоби билан топган ва ўша қабиха сўзини таърих қилган. Сўфининг қабиха сўзни айтгани сабаби шунда эканки, Шохруххон вафот этган кунлари мазкур сўфи бир шоир “Шохрух ўлди” деган сўзни эшитиб, жоҳил сўфи жаҳолат ва нодонлиги зўридан: “Хирс кай мурд?” (айиқ қачон ўлди?) деган. Ўша шоир шу ерда турган бўлиб, бу қабих (ярамас) сўзни сўфининг оғзидан чиққанини кўргач, кароматдан холи билмай, мулоҳаза қилиб кўрса, сўфининг бу қабих сўзи таърих фани бўйича Шохрух вафоти санасига тўғри келмоқда. Ниҳоят, ул шоир мазкур ярамас сўзларни таърих қилиб, бир байт билан ана шуни адо этибди:

Ман таърихи фавти Шохрух пурсидам,
Сўфи аз жаҳл гуфт: Хирс мурд.

(Мазмуни:

Мен Шохрух вафоти санасини сўрасам,
Сўфи жаҳолат зўридан деди: Айиқ ўлди.)

Мазкур сўфининг бу ярамас сўзини айтгани тафсилоти ва воқеаси баёнини ушбу сатрлар муаллифи назмда қуйидагича адо этди.

Шайх Бозор ҳодийи машраб,
Дар Намангон ки гўйи сабқат бурд.
Ба даври Шохрухбек муриди ў,
Шахсе омад ба мардикори бурд.
Шайх аз баҳри махласи ў,
Роҳи Хўқанд гирифт, тасдиъ бурд.
Ба мақаргоҳи салтанат омад,
Илтимосаш бикард ва рўй намуд.
Шоҳ рад кард илтимоси шайх,
Шайх аз ғусса дарун хун хўрд.
Бар гашта ба мавзеи Тўқайтепа,
Омаду даст ба тиру чўб бурд.
Сурати Шохрухий ба хок кашид,
Мезбонро бигуфт: Шохрух мурд!
Тир андохт сўйи сурати он,
Тир рафту ба китфи сурат хўрд.
Явми пайшанба лайли одина,
Маҳалли ў дар Намангон бурд.

Рўзи жума зи китфи Шоҳруххон,
Сар бар овард доии жон супурд.
Баъди чанде яке аз сўфии шайх,
Ў ҳам омаду ба мизбон вохўрд.
Мизбон гуфт ба сўфии жоҳил,
Шайх аз инжо бизад, Шоҳрух мурд.
Ин мақолот шунид аз он дарҳол,
Сўфи аз жаҳл гуфт: Хирс кай мурд?
Шахси равшан замир, таъб зариф,
Ин шунид рў ба ҳарфи ҳижо бурд.
Дид таърихи фавти Шоҳруххон,
Он ки гуфт сўфий, ки “Хирс кай мурд?”

(Мазмуни:

Машраб пир – ўшал шайх Бозор,
Наманганда човгон тўпини олиб қочар эрди.
Шоҳрухбек даврида унинг бир муридани,
Амалдор шахс мардикорликка олиб кетди.
Шайх уни қутқариш илинжида йўлга тушди,
Хонга шикоят этгали Хўқанд шаҳрига етишди.
Салтанат қароргоҳига кириб, арзини айтди,
Илтимосини дегаҳ, мўлтираб жавоб кутди.
Шоҳ шайх илтимосини буткул рад этди,
Шоҳнинг бу ишидан шайх ич-ичдан қон ютди.
Шайх қайтиб, Тўқайтепа мавзесига қўнди,
Келибоқ, қўлига ўқ-камон ҳамда таёқ олди.
Сўнг тупроққа Шоҳруххон суратини солди,
Мезбонга: Шоҳруххон ўлди! – дея сўз қотди.
Шоҳрух суратига қарата камондан ўқ отди,
Ўқ суратдаги Шоҳрухнинг елкасига тегди.
Якшанба куни, яъни жума оқшоми шайх,
Бориб етишгач ўз шаҳри Наманган сари.
Жума куни Шоҳруххоннинг елкаси узра,
Азроил бош кўтариб, хоннинг жонини олди.
Анчадан сўнг шайхнинг бир мурид сўфиси,
Ҳалиги жойга келиб, мезбонни учратди.
Мезбон бу жоҳил сўфийга деди: Шайх,
Мана шу ердан ўқ отди, Шоҳрух ўлди.
Бу сўзларни эшитгани захоти мезбондан,
Сўфи жаҳолатдан деди: Айиқ қачон ўлди?!
Равшан қалб, шўх табиат бир шахс буни,
Эшитиб, дарров абжад ҳарфи сари юзланди.
Шоҳруххон вафоти санасини таърих юзидан,
Сўфи сўзлари бўйича деди: Айиқ қачон ўлди?)

Сўфининг оғзидан чиққан бу ҳақорат сўзли таърих охирги бир байтда жойлашган бўлиб, унинг биринчи жумласидаги “Шоҳруххон” сўзи ҳам шу таърихда қатнашса-да, ўзи аслида сўфи тилга олган иккинчи жумла таърих саналиб, бу камина ибрат учун шайхнинг каромати воқеасини батафсил адо этди.

Аллоҳ авлиёси дилини ранжитмоқ давлат ва умрининг тугаши аломатидир. Уларнинг ташқи либоси жандалигига эмас, балки ички дунёсининг орасталигига боқиш лозим бўлади. Зеро, зоҳирнинг чангу ғубори уларнинг дил оинасида ёмон бўлиб кўринмас. Бу муқаддиманинг баёнидан мақсад шулким, Шоҳрух наслидан бу оламда мавжуд бўлган подшоҳлар салтанатнинг катта ноғорасини чалиб, мулк бошқарувида ўзларининг яхши ва ёмон тажрибаларини келажак авлоднинг ибрати учун эшиттирмоқдир. Маълумки, одамлар еттинчи иқлим ҳукмдорларининг қиссаларини Каюмарсдан бошлаб, бу дамгача китобларда кўрган ва ўқиган. “Ҳар хона”, яъни Фарғона подшоҳлари қиссасини эса биров айтмаган ва ҳеч ким эшитмаган. Олийжаноб подшоҳларнинг номлари боқий қолсин деб, бул фақир ҳам абадият номи учун иморат барпо этмоқни мақсад қилди.

Умидим шулки, вақту замон ўтиши билан бу китобни ўқиш учун рағбат билдириб, йиғилган мажлис аҳли, албатта, ўтган подшоҳларнинг руҳи покларига фотиҳа ўқирлар ва ўшанда уларнинг номлари каторида фақирнинг ҳам номини яхшилик билан тилга олиниб, бу фоний дунёнинг охириги қиёмат кунигача сақларлар. Пишиқ ғиштлар ва мрамар тошлардан бино этилган иморатлар андак фурсатда хароб бўлади ва уларнинг савоби ҳам тугайди, бироқ инсоннинг номи сўз ила варақ саҳифаларида боқий ва абадий қолажак.

Шеър:

Суханро ҳаст дар олам бақое,
Дар ин олам намонад ғайри мақоле.
Кужо он тоқи Кисро Хаварнак,
Шуда бар бод хокаш дар ҳаволе.
Накўйиро ту дар олам иморат,
Бикун аз ту бимонад ном боқи.
Гарчанде накўйиро вафо нест,
Дар авроқи сухан ўро // 10^а вафое.
Сиёҳи гарчи нест ҳамчун зулумот,
Дар он Хизри суханро раҳнамое.
Бимонад дар рукъаҳо номи некў,
Чу Кисро ў кунад подшоҳи.
Ниёзи гуфта мадҳи хони одил,
Ҳамеша дар ҳақи ў кун дуое.

Шу боис, Шоҳрухия подшоҳларининг авлодларини тахтга чиқиб, салтанат юргизганларидан бошлаб, то вафотларигача назм ва наср ипига тортдим ва уларнинг боқий номлари овозасини оламда ёйдим. Уларнинг тантаналари садосини кўк гумбаздан ўткариб, етти иқлим бўйлаб тарқатдим. Шоҳрухдан сўнг салтанат ва сардорлик ҳашамати тахтига ўтирган ва бахтиёрлик тожини бошларига кийган, шоҳлик ноғорасига қилич ушлайдиган қўллари билан зарба уриб овозини баланд кўтарганлар аксар бу олиймақом подшоҳлар унинг авлодидан бўладилар. Бинобарин, китобнинг ибтидоси Шоҳрух таърихи билан безатилиб, маржондек баён ипига тортилди.

Шоҳруххоннинг катта ўғли бўлмиш Абдурахимхони Қироннинг воқеалари баёнида

Унинг лақаби Қирон эди³⁰²⁰. Кўп шаҳарларни, жумладан Самарқандни фатҳ этган эди. Шаҳрисабз волийси Олимбек валинеъмани қизини никоҳига олган эди. Қирон лақабига эга бўлган Абдурахимхон отаси вафотидан сўнг салтанат унга қарор топди. У алп қоматли полвон эди. Узокни ўйлайдиган, маслаҳатга кулоқ соладиган бир амир эди. Ўшал замонда Бухоро амири заиф ва нотавон бўлиб, давлат бошқаруви ва ҳукумат ишларидан узоклашган эди. Абдурахимхон вақтни ғанимат ва фурсатни муҳим деб билиб, ўзбекия диловарларидан ва сартия номдорларидан йигирма уч мингга яқин кишидан иборат шикаст кўрмаган ва зарару кулфат етмаган қўшин йиғиб, Хўжанд сари ҳаракат қилди. Бир кеча-кундузда *илзор* тарзда Хўжандга етиб келиб, тонгда ул вилоятни босдилар. Вилоятнинг *волийси* Окбўтабийни қўлга олиб, Хўжандни эгалладилар. Шаҳарнинг ашроф ва аъёнлари султонлик қарам ва ҳурматидан баҳраманд бўлдилар, вилоятда ҳукм сурган эски бидъатни йўқотиб, аҳолини хурсанд ва фараҳманд этдилар.

Фатҳ ва нусрат билан қайтган хон катта давлат ва шавкат билан ўз қароргоҳига қайтиб келиб тушди. Келаси йили яна қўшин йиғиб тез суръат билан Ўратепа³⁰²¹ устига бориб, уни ҳам ўз

³⁰²⁰ “Минглар сулоласи вакиллари етти киши эди ва уларнинг салтанати Фарғона мамлақатида юз йил бўлди. Бу сулоланинг биринчи вакили Раҳимхон ибн Шоҳрух оталиқ ибн Муҳаммадхоликбий ибн Чамашбий бўлиб, у (Шайдо лақаби билан танилган ва ушбу айёмдаги эшон Хожажонхоннинг аждоди ҳисобланмиш) йўлбошчилар паноҳи мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг муриди эди. Алар ҳазратлари эса валийлар султони ва сўфийлар паноҳгоҳи Махдуми Аъзамнинг – сирларини Аллоҳ азиз тутсин – муриди эканлар. Ва Шоҳрух оталиқ уч нафар азиз фарзанднинг отаси эди: Раҳимхон, Абдулқаримбий ва Шодибий. Уларнинг истиқомат манзили Деҳқонтўда мавзесида бўлиб, Хўжанд шаҳрининг уч фарсахлик жанубий чеккасида жойлашган бу ер ҳозир харобага айланган. Хуллас, сулоланинг бу вакиллари илгари ўша мавзеда яшаганлар”. Қаранг: Муҳаммадҳакимхон. Мунтахаб ут-таворих (Тарихлардан сайланма китоб) / Форс-тожик тиладан таржима, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Х. Воҳидов. Кўрсаткичлар тузувчилари Д. Сангирова, Ш. Юнусов. – Тошкент: Янги аср авлоди. – Б. 336.

³⁰²¹ Ўратепа – Ўратепа/Истаравшан – Қўқон ва Бухоро давлати чегарасида жойлашган мулкнинг маркази. Фарғона, Зарафшон, Илоқ водийларини бир-бири билан боғлаб турган катта савдо йўлида жойлашган қадимий шаҳар. Ҳозир Тожикистондаги Суғд вилоятида туман маркази. Қадимда Усрушона/Истаравшан тарихий-жуғрофий ҳудуднинг маркази шу шаҳарнинг яқини (қадимий Киропол)да жойлашган эди.

³⁰²¹ Истаравшан – Истаравшан/Усрушона – тарихий-жуғрофий ҳудуд сифатида Жиззахдан Хўжандгача бўлган жойлардан таркиб топган эди.

тасарруфига олди. Ўшал вақтда Ўратепа ҳокими Қулика авлодидан эди. Уни ҳам қўлга олиб вилоятини қўшиб олди ва катта ғалаба билан қайтиб келиб давлат қароргоҳига қўнди.

Бир неча йил ўтиб, мамлакат тинчлиги ва тараққиётидан (кучайган хон) тамаъ кўзини Самарқандни босиб олмоққа қаратди// 10^б ва сон-саноксиз қўшин жамлаб Самарқанд устига юриш қилди. Тез суръат ва хосу омнинг мадади ила Самарқандга етиб келиб, шаҳар яқинида қўнди. Шаҳар ташқарисида бир-икки кун туриб, ҳар хил йўл ва воситалар ёрдами билан сулҳ тузиб, шаҳарни қўлга олишди. Шаҳар ичкарасига кириб, шаҳарнинг умаро ва фузалосини лашқари билан бирга хон хайру эҳсони билан ўзига банда қилиб, хосу омни сарафроз этди.

Бир неча кун ўтиб-ўтмас хон бир доно элчи ва тавоно миёнжи (ўртакаш)ни Шаҳрисабз волийси бўлмиш Олимбек валинеъма ҳузурига юборди ва унинг қизини ўзига сўради. Элчилар етиб келишлари билан Валинеъма уларни азиз тутиб, энг яхши ахлоқ ва энг писанд иштиёқ билан кутиб олди, уларни қалби тўрига ва беғаш манзилга жойлаштирди. Меҳмон кутиш қондаси ва куёв танлаш одатларини қоиммақом қилиб бажариб, тўй асбоб-анжомин ҳозирлаб, қизига энг яхши ва муҳим нарсалар ҳамда садоқатли хос мулозимлари ва ишбилармон *надим*ларини қўшиб юборди. Ҳақшунос вазирлар ва қадрдон заифалар, билағон янгалар кўп тажаммул ва бисёр таҳаммул билан келдилар.

Бу хайриятли хабар ва нек юлдузли келиннинг келиши овозаси карамли хон ва нусратли султон қулоғига етиб келиши билан, ул хослар жамоаси ва барча тарбиячиларини саодатасар меҳмонлару яхши сийратли донишмандларни кутиб олиш учун юборди. Ўзи эса давлат устунлари ва салтанат аъёнлари билан бирга интизорлик кўзини дилфириб шоҳ йўли ва салтанатга зеб берувчи келин сари қаратиб мунтазир турди. Бир соатдан сўнг келинчак хаймасини ўраб олган ой юзликлар ва гул сочувчи қизлар икки-икки, уч-уч нафардан, ўлан ва ёр-ёр айтгувчилар хушнаво булбуллардек, мусиқачилар дилрабо куй ва оҳанглари билан жонни куйдурадиган наволари билан бутун оламни босиб олиб келдилар. Карру фар билан бу катта издиҳом амирлик қасрига кириб келди. Ўшал қадр кечада ва бахтли тунда Самарқанднинг барча уламози ва аржуманд улуғлари султон тарафидан қабул қилинди ва хоннинг эҳсони ва карамидан баҳраманд бўлишди.

Шундан сўнг балоғатосор хатиб ва фасоҳатшиорли никоҳ ўқувчи олим хутба ўқиб, висол ақдини шариат устига мустаҳкам қилди. Мажлис қатнашчилари султонни қуллуқ қилиб мажлисини тарк этдилар. Сарой ҳарамининг *махрам*лари шоҳни катта иззат билан малика арус ҳузурига олиб кирдилар.

Меҳмонларнинг ҳар бирига шоҳона расм ва русум билан хусравона таъзим кўрсатилди, иззат ва икром етарли даражада бўлди. Меҳмонлар неча кун турган бўлсалар шунча кун давомида уларга иззат ва ҳурмат кўрсатилди. Валиниъма хоотири учун куёвлик бурчидан келиб чиқиб хон тарафидан барча меҳмонларга ҳурмат ва иззат кўрсатилди, қимматбаҳо ҳадялар ва чексиз тухфалар улашилди. Кейин уларга рухсат берилди. Эҳтиром эгалари бўлмиш *надим*ларни барча меҳмонларни кузатиш учун тайинлаб, меҳмонларни ўзидан рози ва хушнуд этди. Ризожўй *надим*лар ва юмшоқ феълли давлат хизматчилари тўрт фарсанггача меҳмонларни тавозе билан кузатиб қайтдилар.

Меҳмонлар қайтишидан бир кун ўтиб, Раҳимхон ҳам Самарқандни бир камсуқум ишонган ва яқин кишисига бериб ўзи қайтиш жиловини Хўқанд дорус-салтанати сари бурди. Бир неча кун ўтиб дорул-аморатга фатҳ ва нусрат билан кириб келиб давлати қароргоҳида қўним топти.

Шеър:

Ба ғайр аз суҳан салтанатро нумў,
Намонад ба олам ба жуз гуфтуғў.
Гирифтанд олам ба шамшери тез,
Диханд мулкро боз бе жустужў.
Сикандар ба олам гирифт барру баҳр,
Дар охир бирафт ҳамчу гул ранг бў.
Набошад касеро вафо дар жаҳон,
Ба ғайри фано ҳосил ҳаргиз мажў.
Сари пучмағзон пур аз молу суд,
Раванд оқибат ҳамчу холи каду.
Ниёзий, насихат бу худ худ куни,
Мағў дигареро ва бо худ бигў.

Раҳимхон ўз қароргоҳи бўлмиш саройга келиб тушганидан анча вақт ўтиб, Бухоро амири ўз ишлари саранжомин топиб келиб Самарқандни қайта ўз тасарруфига киргизди. Хон бу хабарни эшитиб, мулк бошқаруви обрўси ва ориятини ўйлаб Хўжандга келди. Мабодо амир Самарқанддан бу тарафга азм қилгудек бўлса, хон шу ердан туриб унга қарши чиқмоқчи бўлди. Валекин Бухоро амири

бу томонга азм қилмади ва Самарқандда истиқомат қилди. Раҳимхон ҳам Хўжандни истиқомати учун танлаб, шу ерда қарор топди. Бир неча муддат ўтгач у “ер юзида барча жонли нарса ўлади” деган ояти каримани эшитиб, унга амал қилган ҳолда оламни видо айлаб тарк этди. Унинг хайру саховат билан тўла вужудини Хўжандда дафн этдилар.

Давлат арконлари у (Шоҳрух) нинг ўртанча фарзанди бўлмиш Абдулкаримхонни // 11^б хон кўтардилар.

Раҳимхон вафоти таъриhini зарифлардан бири шундай топиб назм ипига тортган:

Чун Раҳимхон ба мулки Фарғона,
Соҳиби тахт ва тожу афсар шуд.
Баъд аз шоҳии даҳу ду сол,
Мулки фони бар ў муқарар шуд.
Рафт ў аз олам ба дасти тихи,
Золи фартут аруси дигар шуд.
Гуфт хирад таърихи ў ҳамчунин,
“Дилу жонаш” қарини “мазҳар” шуд.

Маънони дарк этгучи ёғдули ва равшан қалблилар эгаларига маълум бўлсинки, “жон”нинг дили алиф бўлиб, уни “мазҳар” сўзига қўшилса таърих санаси 1146/1733–1734 ҳосил бўлур.

Унинг салтанати воқиюти баёнидан сўнг Шоҳруххоннинг ўртанча ўғли Абдулкаримхон Раҳимхон ўрнига қарор топди. Раҳимхонни дафн этиши билан давлат арконлари Хўжанддан қайтиб келиб, Хўқанд дорул-аморатида тушиб Абдулкаримхонни биродари ўрнига салтанат тахтига ўтқаздилар ва шоҳлик тожини тождор бошига қўйдилар. “Муборак бўлсин” овози кўку гумбаз узра тарқалиб кетиб, ундан сўнг омма қабули бошланди.

Шеър:

Ин пиразол шояд (аруси) чандин ҳазор домод аст,
Аз бевафоияш ҳама аз нола зору фарёд аст.
Гаҳ мекунад бараҳна шоҳро зи тож,
Гаҳ мекунад ба тожу мағу ки Қубод аст.
Гаҳ сабзавор мекунад ва гаҳ мекунад ба бод,
Озоди мажўй аз ин панж рўза бар бод аст.

Абдулкаримхоннинг шоҳлик ва шаҳаншоҳлик даври етганида меросий макон унга торлик қила бошлади ва мулкни обод қилишга тушди. Эски ўрда, ҳозир у бозорчилар ва сарой аҳли маконлари бўлиб, дўконлар жойлашган, бир олий қалъа ва баланд Ўрда бино қилиб атрофини баланд қалъа (девори) билан ўради. Бир неча дарвозалар ўрнатди. Булар: Исфара дарвозаси, Қатағон дарвозаси, Марғинон дарвозаси, Тошкандиён дарвозаси, Ҳайдарбек дарвозаси. Ҳозир ҳам бу дарвозалар шу ном билан мавжуд. Шу Эски ўрда биноси таъриhini ўша замонадаги аҳли зарифлардан бири “Мазҳаробод” деб айтган экан. Камина, ушбу китобнинг муаллифи, шеър либосида бу таърихни безатиб, Фарғона шоҳлари таърихи ипида бир дуру маржон каби назм риштасига тортдим.

Байт:

Чунон донам, ки он шоҳи малакзод,
Бикард ин мулкро хуррам обод.
Ба таъмири бинои Эски Ўрда,
Сабаб ў буд аз ободи рў дод.
Ба гирди ў арки оли манзари хуб,
Ба даври шаҳр ў кард қалъа бунёд.
Яке аз ҳушмандони заки таъб,
Таърихи ў // 12^б инчунин посухаш дод,
Кунун соли таърихи Эски Ўрда,
Гар пурси бигўям “Мазҳаробод”.

Янги Ўрдани қургандан сўнг Эски Қўрғондан салтанат тахти янги қаср, яъни (ҳозирги) Эски Ўрда деган жойга кўчирилди. Амирлик тахти, ҳукмронлик ва мулкни идора этиш шу ерда давом этди. (Абдулкаримхон) ўн саккиз йил салтанат тахти ва амирлик жойида ўтирди. Умри ўз ниҳоясига етгач, тотсиз ажал шарбатини қазо ва қадар даврон соқийси қўлидан олиб ичди. Ҳамма давлат арконлари, мамлакат аёнлари, уламо ва фузало, барча халойиқ унинг жанозасида ҳозир бўлдилар. Уни тийра тупроқ чуқурлигига топшириб қайтдилар. Шоҳруххоннинг ўртанча ўғли бўлган Абдулкаримхон вафоти таъриhini ушбу китоб роқими шундай топган:

Чу он Абдулкаримхон ибн Шоҳрух,

Чунон буд яке ў мири худодод.
Ба соли ҳаждахум аз мулкдори,
Нидои “аржаи”³⁰²² аз ғайб дар дод.
Қазо қисса ба сайри он шаҳи фаррух,
Бикарду шаҳ ба сидқи дил ризо дод.
Зи тарихи вафоташ гар ту дони,
Худ ҳамчун бигуфт “сар бо қазо дод”.

Агарда “сар” сўзини “қазо” сўзига қўшилса таърих 1164/1750–1751 ҳосил бўлади.

Марсия:

Ин ажаб даҳр золи пурмакр аст,
Ҳар замон гирифт жавони нав ба бағал.
Он ки донист макри ин фартут,
Ки супорад ўро ба дасти ажал.
Он ки ғофил зи макри ин бошад,
Мефиребад ба макр ин пири дағал.
Боз бар талх ягон-ягон ҳамаро,
Мекунад талхком нахуст дода асал.

Абдулкаримдан кейин ўғли **Абдурахмонхон**ни бевосита отаси ўрнига тахтга ўтказдилар. Яна 9 ой ўтиши билан уни Ёрмозорга чиқартириб Марғинонга ҳоким этдилар. Бир кун кейин Эрдонахон Раҳимхон ўғлини салтанат тахтига кўтардилар. Бир йилдан сўнгра Бобобек Раҳимхоннинг катта ўғликим, Абдулкаримхонга салтанат тахти қарор топганида қалмоқ³⁰²³ кўшини Қайнар мавзеидан бостириб келиб Қўқанд қалъасини қамалга олганида, қалъа ҳимоясида ожиз бўлиб мазкур Бобобекни *оқ уйлук*³⁰²⁴ сифатида берган эди. Абдулкаримхон вафотидан кейин қалмоқ буни эшитиб Бобобекни “будир Раҳимхоннинг катта ўғли, мулк эгалламоққа сазовори”, деб Хўқандга юборди. Шу муносабат билан бу амрни қабул айлаб, // 12⁶ уни бир йил муддат давомида шоҳлик тахтига кўтардилар. Бир йилдан сўнг кўшин устунлари маслаҳати билан Бешариққа келиб тушиб, у ерда Бобобекни қатлга етказдилар. Шу ерда Эрдонахонни яна хон кўтариб, қайтиб пойтахтга кириб тушдилар. Кейин барча уламо ва машойхни йиғиб олиб, қайтадан байъат қилиб Эрдонахонни олдинги шоҳларга ўхшаш отаси тахтига кўтариб жаҳонбонлик ва мулкдорликни унга топширдилар.

Эрдонахон ҳукумат бошқаруви бобида, султонликнинг “ол” ва “тут” ишларида дониш ва кўриш асҳоблари маслаҳатисиз иш қилмасди. Олимларга таъзим, аҳли фатвога эҳтиром ва оқилларга ҳурмат одобини бажо келтирарди. Унинг саодатли замонида мулк янада ободликка юз тутиб, ҳолати яхши ва вилоятлар фароғатли бўлди. Ота ва аждодлардан қолган шаҳарларда шафқат ва марҳамат тариқаси билан ҳукмронлик қиларди. Сиёсатида гуноҳларни кечиришни устун кўярди, унинг марҳамати барча фуқароларга бир хил бўлиб, унинг васфи халойиқ тилида жорий эди. Дўсту душман,

³⁰²² Қуръони карим, 2:156.

³⁰²³ Қалмоқлар/Жунғорлар/Ойратлар – Жунғориядаги ўрта аср давлати (1635–1758). Или водийсида яшаётган ойротларнинг чўрос улуси вакили Ботур хунтайжи раҳбарлигида Ёркент хонлигидан ажралиб чиқиши натижасида барпо этилган давлатнинг асосий аҳолиси. Цеван Рабдан (1697–1727) ва унинг ўғли Галдан Церен даври (1727–1745)да қалмоқлар қайта кучайган. Шу даврда улар Мовароуннаҳр худудларига ҳам бостириб кирган. Улар Цин империяси билан тинчлик алоқаларини ўрнатиш ва ташқи сиёсатдаги фаолликни Ғарб томонга қаратиш ҳамда Ёркент хонлиги устидан ойротлар ўрнатган назоратни кучайтириш сиёсатини олиб борган. Бироқ, Цин империяси Мўғулистонда ўрнашиб олгач, ойратларга қарши кураш бошлаган, жумладан, 1717 ва 1731 йилларда икки марта катта кўшин билан ҳарбий юриш қилган. Аммо, бу юришлар мағлубият билан тугаган. Ойротлар биринчи марта Олтой томондан, иккинчи марта Тибет томондан айланиб ўтиб, Хитой кўшини муқаддимасини орқа тарафдан узиб кўйиш ҳийласини ишлатиб, кам куч билан катта армия устидан ғолиб чиқиб Цин империяси режаларини барбод этган. Цин ҳукумати ойратлар билан сулҳ битими тузишга мажбур бўлган (1741 й.).

XVIII аср ўрталарида ойрат хонлигида ички зиддиятлар кучайган. Ҳокимият талашувчи кучлар ичида Цин ҳукумати ёрдамида мақсадга эришмоқчи бўлган шахслар пайдо бўлган. Амурсана Цин сулоласи учун макбул шахс деб топилган. Аммо, у Цин сулоласининг ойратларни бутунлай йўқотишга қаратилган махфий режасидан беҳабар бўлган. 1755 йил баҳорда Цин империяси ойратларга қарши 50 минг кишилик кўшин билан уруш бошлаган. Кўшин авангардига Амурсана бош бўлган. Ойратлар хонлиги йўқ қилинган, лекин Амурсанага тахт берилмаган, у махфий кўрсатма билан Пекинга чақиртирилган. Алданганини билиб қолган Амурсана ўзини хон деб эълон қилиб, Цин салтанатига қарши кураш бошлаган, бироқ мағлубиятга учраб Россия худудига қочиб ўтиб, мусофирликда вафот этган. Жунғорларнинг сўнгги хони Давақи Пекинга олиб кетилиб зиндонга ташланган. Ойратлар хонлиги барҳам топгандан кейинги ички ва ташқи вазият Цин империясига Шарқий Туркистондан нарига ўтишга имкон бермаган. 1758 йилида Ёркент хонлиги ҳам йўқ қилинган. Шундан кейин Ойрот ва Ёркент хонликлари худудида Цин ҳукумати томонидан ҳарбий-маъмурий тузум ўрнатилган (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси).

³⁰²⁴ Оқ уйлук – гаровга олинган хонзода ва зодагонлар ҳамда уларнинг оила аъзолари. Улар учун оқ ўтов ва юрталар кўйиб тутқунликда ушланган.

мувофиқ ва муҳолифни у ўзига банда ва тобе қилди. Шу зайл билан у ўн икки йил ҳукмронлик ва жаҳондорлик тахтига қарор топди. Унинг замонида душманлари бойўғлига ўхшаб гумдонлик тешиқларига кириб, йўқ бўлдилар. Чунки бу мамлакат аҳолисининг барчаси унинг мақбул ахлоқи ва маъқул атворидан хурсанд ва мамнун эдилар. Бинобарин, душманлар бу мулкдан тама кўзларини ёпиб, кўнгилларидан адоватни олиб ташладилар. Душманлик ва адоватнинг сабаби, аслида, фуқаронинг норозилигидан келиб чиқади. Фуқаронинг тинчилиги улуғларнинг маслаҳати ила бўлади. Хон фуқаронинг аҳволидан ҳар доим хабардор эди. У барча омилларни қаттиқ назоратда ушлар, ҳосил (ва солиқлар) ўз вақтида ундириб олиниб, шариат асосида муроса ва мурувват билан иш тутишларини талаб қиларди.

Шундай яшаб ва ҳукмронлик қилиб, бу оқ-қора рангли коинот ва беравнақ чорсудан бўм-бўш кўл ва сомонсиз бир тарзда йўқлик оламига дирҳам ва молсиз тижоратни ихтиёр этиб, умид кўлини Ҳақ фазли қумошига урди ва йўқлик савдо хонасига кириб яширин ва пинҳон бўлди. Дорус-салтанатнинг барча давлатхоҳлари ва давлатнинг ҳамма ҳавохоҳлари минг фарёд ва нола-ю фиғон билан зори айлаб, унинг озода жасадини тор ва зулматли тупроқ остига қўйиб, лой ва ғиштдан барпо этилган хонага қўйдилар. Барча хослар ва ҳамма парасторлар, жумла халойиқ надомат бармоқларини ҳасрат тишлари билан тишлаб, //13^a “Барча нарса ҳалок бўлажак”³⁰²⁵ деган оятнинг қуёшдек равшан нури қалбларида порлади ва тақдирга тан бериб, рози бўлдилар. Хон вафотига таърих:

Буд хони замона Эрдона,
 Кард реҳлат аз ин фанохона.
 Ҳама дар пеши марг яксон аст,
 Саййиду хўжа ва шоҳу девона.
 Дар таги хок мешавад пинҳон,
 Оқибат жумла хона вайрона.
 Таърихи фавти Эрдонахон,
 Оқибат зери хок жойи ҳама.
 Шаш жиҳати хок агар ту ори рўй.
 Ҳосилат ғайри хок дигар нест,
 Жуфти хок шави ту бе зану шўй.
 Мешавад оқибат гадову шоҳ,
 Ихтилоташ ба хок чун гулу бўй.
 Қадри шоҳу гадо гар ту жўи,
 Ҳар дуи он баробар зи хок бижўй.
 Дар ин пандҳо ки ту суфти,
 Нашнаванд панди ту, ту панд мағўй.
 Ту кунун гўй зи ҳоли Эрдона,
 Эй, Ниёзий, ту аз шаҳи хушхўй.
 Таърихи фавти хони фарзона,
 Ба хирад гуфташ ки бар ман гўй.
 Гуфт агар аз вафоти хон пурси,
 Ҳамчунон “аз вафоти хон бигўй”.

Маъно эшитгувчиларнинг шарафли қулоқларига етсинки, “аз вафоти хон бигўй” сўзлари таърих моддаси бўлиб, 1176/1762–1763 сонни беради³⁰²⁶.

³⁰²⁵ Қуръони карим, 3:185.

³⁰²⁶ Эрдонахон номи билан мулаққаб ва машҳур бўлган Абдулқайюмхон ибн Абдурахимхоннинг жаҳонбонлик зикри. Эр дегани, алифнинг касраси ва йонинг сукуни билан туркчада далир (шижоатли, ботир) ва жасур киши, ёвқур (ҳеч нарсдан кўркмайдиган) дегани. Унинг асл номи Абдулқайюмбек бўлган. Улуғ амакиси жаннатмакон Абдулкаримхон даврида ундан кўп мардлик ва хушёрлик зоҳир бўлган. Бу ўлканинг турклари уни “Эри доно” дея бошладиларки шу билан машҳур бўла бошлади. Абдулкаримхон вафотидан кейин сипоҳ ва раъият иттифоқи билан унинг бахтли боши хусравона тожга мушарраф бўлиб, ундан зеб-зийнат топди. Амакиси давридаги умаро ва вузарони ўз мансабларида қолдирди. Вилоят ҳокимларига ҳам тегмади. Унинг тахтга чиқишининг биринчи йили Дўстқулибек баҳодир вафот қилди ва Фарғона сипоҳсолор (амир ал-умаро)лик мансабига унинг катта ўғли Идрисқулибек тайинланди.

Эрдонахон синглиси Ойжонойимни шоҳона тўй ташкил этиб, амакиваччаси Абдулкаримхон жаннатмаконнинг ўғли Абдурахмонбекка никоҳ қилиб берди. Шу иккала зодагон насабли ёшлардан Абдулҳамидбек, Нарбаҳодир лақаби билан машҳур бўлган ўғил оламга келди. Нар Баҳодирнинг маъноси эркак ва шужоъ (шижоатли, ботир) демақдир. Баъзи китобларда ёзилганки, Нарбаҳодир лафзи одамлар талаффузида оғирлик қилганидан Норбўтага айланган эмиш. Нарбаҳодир лақаби билан машҳур бўлган Абдулҳамидбекнинг таваллуди таърихини бир шоир шундай рақам қилмишдир:

Шўхи ба хайра мақдами мавлуди хусрави,
 Милоди “шаҳзодаи Хўканд” зад рақам.
 [Шўхий хусрав таваллуди қадамлари хайрлига,

“Шахзодаи Хўқанд” деб, таърих топди.]

Эрдонахон лақаби билан машхур бўлган Абдулқаюмхон ҳукмронлигининг бошида Раҳимбий манғит Бухорийнинг иши анча олдинлашиб кетди. Юқорида баён қилинганидек аштархонийларнинг охириги хони Абулфайзхон давлатининг инқирозидан Бухоро ҳукумати манғитларга ўтди ва улардан биринчи ҳукмдори Раҳимхон манғит бўлади. Раҳимхон манғит учун унинг даврида ёзилган Мулло Мир Вафои Карминагийнинг “Тухфаи хоний” номли асарида манғитлар аждодларининг насаби шундай берилган: Раҳимхон ибн Ҳакимбий ибн ...

Раҳимбий хонлик тахтига эришиб, мақсадига етганидан сўнг атрофдаги ҳокимлардан Муҳамадаминбек, Шодмонбек юз Ҳисорий, Иброҳимбек Шаҳрисабзий, Фозилбек Ўратепаги ўзларини Раҳимбийдан насабда тозароқ, амирлик ва вилоятларни бошқаришда ундан устунроқ ва ҳақлироқ деб билиб, унга бўйсунганини хоҳламасдилар. Унга итоат этишни ўзлари учун ор деб билиб, ҳар бири ўз вилоятида мустақил ҳукумат юргузишарди. Абулфайзхон ўлимидан эса пушаймонлик ва надоматда эдилар...

Раҳимбий жуда эҳтиёткор ва уздабурон киши эди. Қайси соҳибдавлатнинг ёрдами ва мадади ила зафар топиши, қандай мақр ва ҳийла лутфидан бу учта душманининг хусумати ва рақобатидан омон қолиш мумкин, деб фикр ва хаёлга ботиб қолди. Чора ва тадбир майдони тафаккур қадамини қўйиб, давлати салоҳиятини Фарғона ҳукмронлари билан яқинлик ва алоқа қилишда кўриб, уларнинг мадади ила душманларга қарши чора топмоқчи бўлди.

Шу маслиҳат юзасидан бир сухандон элчини фаровон ҳадялар ва хон номига ёзилган нома билан дору-с-салтанат Хўқандга юбориб, хонни тахтга чиқиши муносабати билан муборакбод этиб унга ҳамдиллик ва иттифоқ изҳор этди. Раҳимбийнинг яқин дўстона муносабатларни ўрнатиш учун қилинган ҳаракати Фарғона хони мизожига ҳам ёқиб тушди. Хон ҳам дўстлик алоқалар эшигини очиб, синглисининг ўғли саййидлар паноҳи Хонхўжа Юсуфалихўжа ўғлиниким, бу варақлар муаллифига она томонидан бобо бўлади, элчилик тариқасида Бухорога юборди. Бухоро волийси Раҳимбий уларнинг қадамларини муқаррам деб билиб, бир неча кун уларга шоҳона меҳмондорчилик кўрсатиб, укаси Ёвқочтибийни кўп ҳадялар билан саййид Хонхўжага қўшиб Фарғона дору-с-салтанатига юборди. Ёвқочтибий дорус-салтанат Хўқандга келиши билан, шаҳарнинг баъзи улуғлари унинг истиқболига чиқиб, иззат ва эҳтиром кўрсатиб муносиб бир манзилга туширдилар. Эрдонахон ҳам уни кўриб, унинг ҳақиқага хўб навозиш ва эҳсонлар қилиб, шоҳларга муносиб тухфалар берди. Унга қўшиб бирор-бир муътабар зотни Бухорога қайта юбормоқчи бўлганида, мазкур саййидзода Хонхўжа Бухорода таҳсили илм қилмоқ ниятида бўлганини маълум қилди. Ёвқочтибийга уни ҳамроҳ қилиб элчиликка юбордилар. Ёвқочтибий ҳам Раҳимбий ҳузурига етиб бориб, орада дўстлик ва иттифоқ ришталари боғланганини айтиб берди. Саййидзода Хонхўжани таҳсили илм учун Бухорога келгани ҳам айтилди. Раҳимбий саййидзодани ўз суҳбатига чорлаб, мазкур саййидга иззат ва эҳсонлар кўрсатиб, яшаши учун унга яраша маош тайинлади. Саййидзода эса узоқ муддат Бухорода қолиб кетди.

Шундай қилиб вақт ўтиши билан Раҳимбий шаҳрисабзлик кенагас амирларини турли ваъдалар билан бир-бир ўз ҳузурига даъват қилиб, зоҳиран уларга катта иззат ва эҳтиромлар кўрсатиб, қўлга оларди. Унинг домига тушмаган Муҳаммадюнус Ўлоҳга укаси Ёвқочтибий қизини хотинликка номзод қилиб, никоҳига киритиш учун уни Бухорога чақиради. Бу содда амир Бухорога келади. Тўй ва никоҳ кечасидан кейин кенагас тоифасидан ўттиз нафар амирни, улар ичида Олимбекбий ва Субҳонқулибекбий ва шуларга ўхшаганлар бўлган, бир кечада тутиб олиб қатл қилдилар. Уларни барчасининг номини бу китобда келтириш лозим кўрилмади.

Шаҳрисабзда ҳокимлик қиладиган бир одам ҳам қолмади. Раҳимбий бу мамлакатни эгаллаш учун лашкар тортиб, тез муддатда уни итоати қайдига киритди ва Қутулукбой девонбегини ўшал вилоятда волий этиб тайинлаб Бухорога қайтди.

Уруш асбоб ва усқуналарини янада кўпроқ олиб, катта лашкар билан Ўратепа томон равона бўлди. Ўз яқинларидан бирини элчи сифатида Хўқанд хони ҳузурига юборди ва ундан дийдор кўриб мулоқот қилишни сўраб лашкар билан шахсан мадад беришини илтимос қилди. Эрдонахон элчилик мақсадидан хабардор бўлгач вилоят атрофига хабарчилар юбориб лашкар йиғишни буюрди. Тез фурсатда унинг байроғи соясида катта қўшин йиғилгач, Хўжанд сари юриш қилди. Ём ва Зом³⁰²⁶ оралиғидаги жойни учрашув жойи этиб танлаб, Бухоро элчисини қайтариб юборишди. Эрдонахон ўз лашкари билан йўл ва манзилларни босгач Хўжандга келди ва у ердан Зом ва Ём қалъасига келди. Бухоро волийси Раҳимбий Самарқанддан чиқиб, ваъдалашган жойга келгач, амир ва хон ўртасидаги кўриниш амалга оширилиб, бир-бирларининг дийдорларини кўриш шарафига мушарраф бўлишди, икки томонлама ҳурмат ва эҳтиром, таъзим ва тақрим кўрсатилгач, Ўратепани бирлашиб босиб олишга киришилди.

Шу орада Ҳисор волийси Муҳаммадаминбий катта қўшин билан Ўратепа ҳокими Фозилбий ёрдамига етиб келиб, Ўратепанинг шу иккала қалъасини мустаҳкамлаб, унинг ҳимоясида турди. Фарғона ва Бухоро лашкари ҳам етиб келиб қамални бошладилар. Икки тарафдан ҳам кўп жанглар бўлди. Ёғингарчилик мавсуми киргач, Фарғона ва Бухоро лашкари ёмғирдан жонлари азобда қолди. Фарғона ва Бухоро лашкарида қаҳатчилик юзага келди. Бир бурда нон икки кумуш дирхамга ҳам топилмади. Озиқ овқат ва таом танқислигидан иккала лашкар аскарларининг суягига пичоқ бориб тақалгач, Бухоро амири Раҳимбий ва Хўқанд хони Эрдонахонлар бу вилоятда ортиқча қолишни ўзларига эп кўрмай, бири Бухорога, бири Хўқанд дорус-салтанатига қайтишни тўғри маслаҳат деб билиб, қайтдилар.

Қайтиш жараёнида қўшиннинг барча лаш-лушлари, жанг асбоб ва усқуналари, хайма ва ўтовлари туя ва отларга ортирилди ва туячилар қўшин кетидан йўлга чиқдилар. Қалъадагилар ўз истехкомларидан чиқиб шу карвонни таладилар ва юк ортилган туялардан бир қанчасини ўлжа қилиб олдилар. Баъзи туячилар ўлдирилди, бир қисми эса асирга олинди.

Муҳаммадаминбий Ҳисорий ва Ўратепа ҳокими Фозилбийнинг димоғлари кўтарилиб, мияларида Фарғона хони ва Бухоро амири билан тенглашиш хомхаёли пайдо бўлди. Раҳимхон ва Эрдона Ўратепа ҳукмдорига жазо бериш ишини бошқа вақтга қолдириб, ўз пойтахтларида қарор топдилар.

Келаси йили Эрдонахон Ўратепага қарши черик тортди. Раҳимхон ҳам Ҳисорга, Муҳаммадаминбийга жазо бериш учун юриш бошлади ва шу хабарни Фарғона хонига етказиш учун бир чопарини ҳам юборди. Эрдонахон Хўжанд вилоятига етганида Раҳимбийнинг чопари унинг ҳузурига етиб келди ва барча воқеотни унга билдирди. Эртаси куни манзилларни босиб ўтгач, Ўратепа қалъасига яқин бир тепаликда хайма ва ўтовларни ўрнатиб, ғалаба келтирувчи лашкарнинг қароргоҳига айлантдилар. Бухоро чопарига шу ерда жавоб берилди ва у Ҳисорга бориб, Раҳимхонга бор вазиятни маълум қилди.

Ўтган йили Ўратепа ҳокими Фозилбий ёғингарчилик ва ғалла билан нон қаҳатчилигидан зафарпаноҳ лашкар зарби ва ҳарбидан қутулган эди, бу навбат ҳам мағрурланиб қалъадан чиқиб Фарғона лашкарига қарши саф тортди. Унинг бундай журъати ва қайсарлигидан Эрдонахон вужудида ғайрат ва шижоат қайнаб кетиб, Фарғона лашкарига душманга қарши саф тортиб бориб жанг қилишлари, қатл ва мужодала учун фармон берди. Ўшал куни икки томондан ҳам шундай жанг ва уруш

бошланиб кетдики, одамлар бундай урушни кўрмаган ва эшитмаган эдилар. Шом вақтида иккала лашкар амирларнинг саъй ва ҳаракатлари билан аранг ажратилди. Фозилбий қалъага, Фарғона лашкари эса ўз қароргоҳига қайтиб ором топдилар. Ҳар куни шундай жанг ва ўлдиришлар бўлиб турди. Охири Аллоҳнинг мадади ила фатҳ ва зафар Фарғона хони томонига ўтди. Ўратепа юз лашкаридан кўпчилик асир тушиб, анчаси ҳалок бўлишди, бир қисми қочиб қутулди. Олий рутбали хоннинг мулозимлари чекинганларни қувиб, Фозилбийни асирга олдилар. Уни хон ҳузурига олиб келганда жаннатмакон Абдулкаримхон замонида қалмоқ кофирларини Фарғона мамлакатига ҳужум қилган пайти у беандоза хизматлар ва жонбозликлар кўрсатилгани боис кечирилиб юборилди ва яна Ўратепа вилояти унга қайтариб берилди. Эрдонахон лашкарини олиб катта давлат ва обру билан пойтахтга қайтди. Шу вақтнинг ўзида Бухоро амири Раҳимбийдан Ўратепа фатҳини муборакбод этиш учун ва Ҳисор босиб олингани, Муҳаммадамин кўлга туширилгани ва қатл этилганини хушхабарни етказиш учун элчи келиб, бу ахборотларни етказгач, хоннинг марҳамати ва лутфидан баҳраманд бўлган ҳолда сарафроз қайтди.

Ривоят қиладиларки, Бухоро амири Раҳимбий Ҳисор волийси Муҳаммадаминбийни кўлга тушганини эшитгач, маҳобатли ва шукуҳли бир мажлис чақириб, Муҳаммадаминни ҳам олиб келишни талаб этди. Ҳокимни унинг ҳузурига олиб келганларида у ундан тавозе ва кечиримни кўзлаган эди. Аксинча, шу ҳолатида ҳам Муҳаммадаминбийда бирор-бир кўркув ва хавф кутаётган ҳолат зоҳир бўлмади. Муҳаммадаминбий мажлис иштирокчиларига қарата деди: “Эй мўминлар, ассалому алайкум! Билиб қўйинглар, мен ўз валинеъматим Абулфайзхон ва унинг оиласига ёмонлик қилмаганман. Бу мамлакат аҳолисига мени наслу насабим ва амирлигу волийлик лаёқатим мана бу золимдан устунлиги маълум ва аёндыр. Шунга қарамасдан, мен меросий мулким билан қаноатландим, бу насаби паст ва золимга қарши лашкар тортмадим. Менга нисбатан бўлган бахиллиги ва ҳасадидан мен билан келиб урушди, зулм ва ситам ундан содир бўлаётир”. Раҳимбий бу сўзларни эшитиб, уни чақиритишдан пушаймон бўлиб, афсусланди. Жаллодни чақирди Муҳаммадаминни барча яқинлари ва оиласи аъзолари билан ўткир тўғдан ўтказишни буюрди. Уларнинг орасида ёш гўдаклар ва тифллар ҳам бор эди. Муҳаммадаминбий Ҳисорий таҳорат учун сув сўради. Раҳимбийдан кўриб бирор киши сув беришга журъат қилмади. Таҳоратни таяммум тарзида қилиб, қиблага қараб ўтирди-да, калимаи шаҳодатни овоз чиқариб ўқий бошлади. Унинг кўзи олдида барча бола-чақалари ва аҳли аёлини шаҳид қилдилар, кейин Муҳаммадаминбий Ҳисорийни шаҳодат даражасига етказдилар.

Раҳимбий бу ишлардан фориғ бўлиб, Хоразм томонига лашкар тортди, бироқ мақсадига етмай қайтди. Сана 1172/1758 да Раҳимбий ўз ажали билан вафот этди. Ҳукмронлик муддати 12 йил, ёши 45 да эди. Ундан фарзанд қолмаганидан амирлик ҳукумати Раҳимбийнинг амакиси амир Дониёлга ўтди. У жуда мулойим ва инсофли киши бўлганидан Чингизхон авлодидан бўлмиш Абулфайзхон қариндошларидан бирини Абулғозийхон номи билан хонлик тахтига кўтарди ва ҳукумат ишларига ўзи мутасаддий бўлди. Раҳимбийнинг бева аёли Жонакшоҳ деганига уйланиб, уни никоҳига киритди. Бироз вақтдан сўнг Абулғозийхонни ўлдиртириб, тахтга Фозилхон деганни хон этиб тахтга ўтказишди.

Шу замонда кенагаснинг қарасолди уруғидан бўлмиш Бекназарбий Баҳодир Бухородан қочиб Шаҳрисабзга келди ва Раҳимхон гумаштасини ўлдириб, ҳукуматни ўз қўлига олди. Шаҳрисабзнинг олдинги ҳукмдорлари кенагаснинг очамайли уруғидан бўлганлар. Уларни Раҳимбий ўлдирганини бир шингил қилиб юқорида баён қилган эдик. Бекназарбий даврдан бошлаб Шаҳрисабз ҳукумати қарасолди уруғи қўлига ўтган. Кенагас тоифаси бир қанча уруғ ва қавмларга бўлинади. Худо хоҳласа, келажакда улар ҳақида ёзилажак. Энди ўз мақсадимиз бўлган Фарғона хонлари тарихининг зикрига қайтсак.

Эрдонахон Ўратепадан фатҳ ва нусрат билан салтанат пойтахти бўлмиш Хўқанд шаҳрига қайтиб келгач, адолат ва инсоф билан машғул бўлиб, пишиқ ғиштдан икки қаватли бир мадраса, бир мусофирхона бино қилиб, уларга кўп вақфлар тайин қилди. Келаси йили Сўх дарёсидан бир улуг наҳр қаздиртириб Сирдарёнинг регистон жойигача торттирди. Шу наҳрдан кўп қишлоқ ва аҳоли жойлари обод бўлди. Ҳозир бу наҳр Найманча номи билан машҳурдир.

Шу ишларнинг кетидан баъзи фитначи ва бузуқи кишиларким, уларнинг вужуди бу жаҳонда ҳеч қачон кам бўлмаган, Абдурахмонбек ибн Абдулкаримхонни савоб ва тўғри йўлдан чиқариб, у тугён ва кўзғолиш отига минган ҳолда Эрдонахонга қарши исён кўтариб Чорқуҳ қалъасига бориб муҳолифат бошлади. Эрдонахон солиҳ ва доно олимларни юбориб уни қулоғига насиҳат дури ва жавоҳирларини сочди, аммо фойда келтирмади. Уч йил бирин-кетин лашкар юбориб ҳам муродига эриша олмади. Бунинг сабаби шу эдики, Чорқуҳ қалъаси тоғлар орасида барпо этилган бўлиб, унинг ғарби ва жануби Фарғонага мойилроқ бўлиб биттагина тор ва ўта қийин бир сўқмоқи бор эди. Фарғона тарафидан бошқа йўли бўлмаган. Шу йўлнинг устида бир гуруҳ тўфангчиларни лашкардан ажратиб қўйган эдилар. Йўл кенглиги жуда тор – иккита кишининг елкасига тенг бўлиб, бу танглик бир неча фарсахга чўзилиб кейин дарага чиқар эди. Бу йўлга кирган кишини улкан тоғу тошлар устидан ўкка тутиб тўхтатардилар. Баъзан эса шу йўлга қадам босган лашкар устига бир катта тошни ағдарардилар. Бу тош бошқа тошга уриб сўқмоққача яна юзлаб тошларни кўчириб, йўловчи бошига ўлим ёмғиридек тушиб келарди. Тоғлар устидан ҳам бу маконга ўтиб бўлмасди.

Уч йилдан кейин Идрискулибек ибн Дўстқулибек баҳодир бир ҳийла ишлатиб ғалабага эришди. Бу ишнинг тафсилоти қуйидагича бўлган. Идрискули лашкарни дара даҳанасидан олиб, бир пистирмага яширди. Овоза тарқатиладики, Эрдонахон ўлим ётоғида ётибди, шунинг учун ҳам лашкар Хўқандга қайтаётир. Бу ёлғон хабарни Абдурахмонбекка ғаламислар етказишади. У Кўҳистоннинг тор қалъасидан чиқиб Исфара томон йўл олади. Айни вақтда пистирмада яшириниб ўтирган кўшин жойидан чиқиб улар билан бир неча соат урушади. Оғир жанг бўлади. Аллоҳ иродаси билан Абдурахмонбек милтиқ ўқидан оғир яраланади. Унинг лашкаридан аксари ҳалок бўлиб, қолганлари асирга тушдилар. Заҳм еб ётган Абдурахмонбекни кўриб, уни кўтариб бир усти ёпиқ аравага ётқизиб, икки киши навбат билан унинг бошини кўкраклари устида ушлаб дорус-салтанат Хўқанд шаҳрига етказдилар. Эрдонахон бу даҳшатли хабарни эшитиб, амакиваччаси ётган тўшакка келиб, табибларни чақиртирди. Улар унинг давосига бир йил ҳаракат қилдилар. Ҳаёти барқарор эмас экан фойда бермади. Бир йилга яқин касаллик тўшагида ётиб, Худо раҳматига етди. Унинг вафоти муносабати билан давр шоирлари марсия ва таърихлар битганлар. Улардан мана бу биттаси сабт этилди:

Шоҳе ки буд дар даҳр аълоийи шаҳриёрон,

Ногаҳ ба ҳукми эзид падруд кард даврон.

Таърихи реҳлаташро мехост дил зи хотиф,

Омад нидойи ғайби, бар гў: “Аниси ризвон”.

[Оламда барча шаҳриёрларнинг аълоси бўлган шоҳ,

Тўсатдан Худо ҳукми билан олам билан хайрлашди.

Ҳотифдан унинг вафоти таърихини юрак сўради,

Ғайбдан бир нидо келиб деди: таърихи “ Аниси ризвондир”. (“Жаннат дўсти.”)]

Дафн маросими ва қийинчиликлардан сўнг, Сулаймон ибн Шодихонким, Шоҳруххоннинг кенжа ўғли эди, Эрдонохон ибни Раҳимхон вафотидан кейин жами ўзбеклар ва сартлар маслаҳат қилиб, бир қарорга келиб дедиларким, Абдурахимхон ва Абдулкаримхон навбат билан тахтга ўтирдилар. Энди навбат Сулаймон ибн Шодихонга етди. Шодихон Шоҳруххоннинг кенжа ўғлидир. Келинлар, инсоф юзасидан уни салтанат тахтига кўтарайлик. Барча рози бўлиб, унинг бошини салтанат тожи ила, вужудини ҳукмронлик либоси била оро бердилар. Уни амирлик тахтига ва валийлик маснадига ўтказдилар. Бироқ унда шундай улуғ ишларни бажариш учун қобилият ва салоҳият йўқ эди. Ваҳоланки, уни инсофга чақириш учун доно вазирлар ва яхшилик тилайдиган *надимлар* кўп ҳаракат қилдилар, бироқ фойда бермади. У эса, жуда пасткаш бўлиб, доим разил кишилар ва беҳуда одамлар билан ҳамсухбат бўлиб, ақл ва хираддан узоқ эди.

Қитъа:

Ноқобиле, ки сифла таъб дар ҳавои тахт,
Бози кунад ба боз чу гунжишк дар балои сахт.
Бе ҳимматон тира кунад дар ҳаво уруж,
Бо боз ҳампари накунад зоғи тирабахт.

Давлат устунлари ва салтанат посбонлари олти ойни ўтказиб, ночор уни ўртадан кўтариб, ундан қутулдилар. Мазкур хон вафоти таъриhini инчунин топибдилар: // 13^б

Шаҳ Сулаймон ибн Шодихон,
Шоҳиди салтанат ба садр кашид.
Муддати давру давлаташ шаш маҳ,
Буд охир аз майи ажал бичашид.
Мухри хомуши зада бар забон,
Нутқ аз ҳукму зистанаш бурид.
Гуфт ақл аз вафоти таърихаш,
Ў зи “Фарғона” “нутқ”ро бикашид.

Маълум бўлсинким, “Фарғона” сўзидан “нутқ”ни исқот қилганда хоннинг таърихи чиқади ва у 1177/1763–1764 дир³⁰²⁷.

Ундан бир аржуманд ўғил ёдгор қолди: Абдулҳамидбек, лақаби, Нарбаҳодир. Абдурахмонбекнинг хотини Ойжонойим унинг фирокига чидай олмай андак фурсат ўтмасдан вафот этди. Абдулҳамидбек онадан ҳам ажралиб, хон тарбиясидан кўкариб, балоғат ёшига ҳам етди. Шу вақтда кофир қалмоқлар билан бўлган жангда асир тушган ва уларнинг қароргоҳида яшаётган Бобобек қалмоқия лашкари билан Фарғона салтанатига даъво қилиб келди. Қаттиқ урушларда у ўлдирилди. Баъзи рисоаларда унинг насабини Абдурахимхонга боғланишлари жиддий хатодир. Аслида, у Абдурахимхон сингисининг ўғлидир. (Бошқа асарларда Абдурахимбийни катта ўғли дейилади.)

Эрдонохон 1172/1758 йили бир давосиз касалликка чалинди. Замона табиблари даволашга қанча уринмасинлар, фойда бермади. Бу фоний қасрдан борлиқ тўшагини йиғиштириб жовидонлик саройига кўчди. Унинг вафотига аср фозиллари марсиялар ва таърихлар битганлар. Жумладан, бири шудир:

Соли фавти амири Фарғона,
Ақл гуфто: “Вафоти хон” бигуй.
[Фарғона амири вафоти таъриhini
Ақл “хон вафоти”, дебон айтди].

Эрдонохондан бешта қиз ва никоҳидаги иккита хотин қолди. Ўғли бўлмаган. Ёши 42 да. Амакисининг даврида беш йил Андижонда ҳукумат юргузди. 12 йил Фарғонада салтанат тахтига ўтирди. Сахий ва камозор киши эди. Салтанат ишларида олимлар ва оқиллар билан маслаҳатсиз иш қилмасди. Шариати исломга риоя қилиб, ҳурматини жойига қўярди. Хар бир ишда шаръи шариф асосида ҳукм қиларди. Шу иккала бахтли ҳукмдор даврида мулк олдиндагилардан ҳам ободроқ бўлди. Аҳоли аҳволи яхшиланиб, анча тинч яшардилар. Диндор, тақволи бўлиб, суфийлар либосида юрар эди...

³⁰²⁷ **Сулаймонхон ибн Шодихон ибн Шоҳруххон зикрида.** (Хон вафотидан кейин) Фарғона шахзодалари ичида Сулаймонхон энг катта ва улуғи эди. Абдулқаюм Эрдонохон ибн Абдурахимхон вафотидан кейин салтанат тахтида қарор топиб, адл ва инсоф билан машғул бўлди. Баъзи ҳокимлар ва сардорларни алмаштирди. Фарғона хонининг улуғ вазири Абдуллоҳ қўшинбеги эди. У хоннинг ҳукумат ишларида у билан маслаҳатсиз иш қилмаслигини жуда хоҳларди. Аммо Сулаймонхон бир ғайратли йигит бўлганидан мустақил ва ўз райига қараб ҳукмронлик қила бошлади. Натижада хон ва унинг улуғ вазири орасида кудурат (дил ғашлик) ва душманлик пайдо бўлди. Абдуллоҳ қўшинбеги ўз валинеъматига қарши хиёнат ва фитна бошлашни ўйлаб, Хўжанд ҳокими ўзининг акаси Абдурахмон баҳодир мингга мактуб йўллаб ёздики, “Сулаймонхон салтанат тахтида узоқ қоладиган бўлса, эски сардорларни мансабларидан олади. Сулаймонхонни орадан йўқ қилмоқ керак”. Бу махфий мактуб улуғ амирлардан бири бўлган Абдурахмон баҳодирга етиб боргач, уни ҳам қурқув босди. Улар Фарғона давлатининг асосий таянчи Марғинон ҳокими бўлган Идрисқулибек ибн Дўстқули баҳодирни ҳам Сулаймонхон билан кўрқитиб, ундан нафратланадиган даражага етказдилар. Аста-секин барча амирларни хийла ва васваслар билан ўзларига шерик қилиб, бирлашиб олдилар. Бир кечаси Сулаймонхон қасрига яланғоч қиличлар билан бостириб кириб, уни тутиб қалъага солдилар. Бир неча кундан сўнг уни шаҳид қилдилар. Аниқ маълумотларга қараганда, у олти ярим ой ҳукмронлик қилиб, 25 йил умр кўрган. Бир хотини қолди, фарзанди бўлмаган...

Норбўтахон ибн Абдурахимхон ибн Абдулкаримхон салтанати навбати ҳақидаким, у ўн тўрт ёшида салтанат тожигга зеб берган эди.

Сулаймонхонни орадан кўтаргач, барча давлат хослари ва ҳурмат соҳиблари иттифоқ бирла Норбўтахон³⁰²⁸ ибн Абдурахимхон ибн Абдулкаримхон ибн Шохруххонни ўн тўрт ёшида ҳозир Мўйи муборак³⁰²⁹ деб аталмиш Қаротепадан олиб келиб, давлат тахтига иззат ва ҳурмат билан ўтказдилар ва салтанатни унинг вужуди бирла зийнат бердилар. У эса бу таклифни қабул қилмай, рад этганда ҳам фойда бермасди. Зеро, Норбўтахоннинг асл биродари бўлмиш Ҳожихон билан тахтни эгаллаш масаласида бироз тортишув бўлди. Ҳожихон ёшроқ бўлган Норбўтахонни аморат тахтига маъқул ва мақбул деб билиб, ҳукмронликни унга мусаллам тутди. Норбўтахоннинг айби унинг ёшлигида бўлгани билан, мазкур мирнинг саодатли пешонасидан қобилият ва салоҳият зоҳир ва хувайдо эди. Давлат арконлари ва салтанат аъёнлари ҳаёт ишлари ва ҳукмронлик лавозимларини мақбул ахлоқ ва маъқул иттифоқ била жорий этардилар. Шундай қилиб, бир неча йил муноқаша ва нифоқсиз ўтди. Оқибатда, у ҳукмронликни салоҳиятли фикр ва яхши ахлоқи билан суғорди. Унинг замонида фуқаро ва раият, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси фориғбол ва хушҳол яшардилар. Унинг замонида оғирлик, қаҳатчилик ва қимматчилик бу мулкка йўл топмади. У қора фулус пулини жорий қилди. Бир фулусга битта қўй берарди. Ғалланинг арзонлиги ва эминлик шу даражада эдики, бою камбағалга бир хил, эҳсон ва хайрот дарёдек равон эди. Ҳар бир хона ғалла омборига айланиб, ғалла кумдек уйлардан оқиб уй эгаларини уйларидан сиқиб чиқарди. Одамлар мунча ғаллани нима қилишни билмай, уни фақат эҳсон қилардилар. Ғалла арзонлигидан уни сотиб ҳам бўлмасди. Эгалари уни фақат бахшиш қилишдан бошқа чора топмасдилар. // 14^a Бу мамлакатдаги арзончилик ва аҳиллик овозаси барча вилоятлар ва дунёнинг тўрт томонига тарқалиб, бу вилоятнинг ободончилиги ва аҳолисининг ошиб боришига сабаб бўлди.

Норбўтахонни тахтга ўтириш таъриhini зариф кишилардан бири бундай топиб таҳрир ипига тортган:

Ки буд вориси авранги нажот Шохруххон,
Амир Норбўта, ки гирифт мулкро ба забт.
Нишаст соати масъуд ў ба тахти шаҳи,
Мадад ба толеи ў кард ба ситора ҳар ҳафт.
Хирад бар жулусаш чунинг гуфт таърих,
“Ҳазору як саду ҳафтоду ҳафт” зи хижрат рафт.

Ўттиз олти йил у салтанат ва амирлик тахтига ўтириб ҳукмронлик қилди. Умрининг охирларида унинг акаси Ҳожибек муҳолифатни бошлади. Ўратепага у кириб бориб, Қулика авлодлари билан бамаслаҳат қаршилик ноғораси овозини кўтарди. Бир неча кун Ўратепада яшади. Қулика авлоди ва ул вилоятнинг эли сиёсатшиор ва паҳлавонсор хондан ваҳимага тушиб бамаслаҳат Кировчи³⁰³⁰ ҳудудларига боришни азм қилдилар. Улар шундай дедилар: Қурама³⁰³¹ вилоятини босиб олиб, аҳолисини эҳсон ила тобе этиб, Тўрақўрғон³⁰³² га ўтасиз. Бу ер аҳолисини ҳам тамаллуқ ва эҳсонлар ёрдамида ўзингизга эл қилиб, Андижонга ўтасиз. Бу вилоят эли билан якдил ва аҳил бўлиб кейингина хуруж қиласиз. Бутун халқ барча атроф ва жонибдан қўзғалгандан сўнгра, биз ҳам бу тарафдан қўшинни омода қилиб, Хўжандни босиб оламиз ва ундан ўтиб Бешариғ устига чопамиз.

Шундай муомалага келишиб олиб, белингизни ғайрат камари билан маҳкам бойланг, бизлар ҳам бу тарафдан мустаҳкам бўламиз токим, иш дилларимиз муродига етсун. Шу маслаҳатдан бошқа тадбирнинг иложи йўқ, зеро Хўқанд мулки жуда кенгдир ва уни қўшин кучи билан тасарруф этмоқ жуда маҳолдир. Иттифоқ бирла уни атроф ва жонибдан қамал қилишимизда шоядки, Фатҳ эгаси ғалаба ва нусратни бизга марҳамат этса. Акс ҳолда бир асрга тенг давр ичида, Норбўтахон халқ розилиги йўлида ҳукмронлик қилиб, барчани ўзига банд ва асир қилган. Унинг ададсиз давлатхоҳларию тузини тутган кўпгина ишончли кишилари бор. Бу шафқат шиорли ва карами кенг хондан мулкни тортиб олиш мушқил иш ва амри маҳол истакдир.

³⁰²⁸ Нарбаходир – Абдулхамидбек 1716 йили оламга келган.

³⁰²⁹ Мўйи муборак – (Қоратепа) – Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги қишлоқ. Қўқоннинг жанубида 1 км. масофада жойлашган. Мўйи муборак мозори шу қишлоққа яқин жойда.

³⁰³⁰ Кировчи – Қурама мулкнинг маркази бўлган. Тошканд вилояти Пискент туманидаги қишлоқ. “Гулистон” жамоа хўжалиги таркибида.

³⁰³¹ Қурама – Оҳангарон водийсидаги қалъа бўлган. Қурама – қозоқ қабилаларнинг уюшмаси. Қозоқларнинг ўзаро аралашган уруғлари. Тошкент атрофида яшаганлар.

³⁰³² Тўрақўрғон – ҳозир Наманган вилоятидаги шаҳар. Хонлик даврида Наманган ҳокимининг ўрдаси Тўрақўрғонда бўлган.

Бу маслаҳат тилга олган мир (Ҳожибек)га маъкул тушди ва у зудлик билан Қурама сари ошиқди. Бир неча кун // 14^б у ерда қолиб, Қулика авлодлари берган маслаҳатни амалга оширишга интилди ва Қурамага келиб, бу ернинг бошлиқларини ўз режасига таблиғ қилди. Бу мулк ўша вақтда Хўқанд хонлари тасарруфида эмасди. Қурама катталари ҳам бу таклифни қабул қилиб, иттифоқ била уларни кузатиб қўйдилар. Мазкур мир Қурамадан чиқиб суръат ила Тўрақўрғонга кириб келди. Бу ернинг улуғларига ҳам муродини арз этиб, муддаосини ўртага ташлади. Улар ҳам иттифоқ бошларини мувофиқат ёқасидан чиқариб, мазкур мир даъватини қабул қилдилар ва катта иззат кўрсатиб, кетишга рухсат бериб кузатиб қўйдилар. Мири далир ва филни ов қилувчи шер кўрқиш ва ваҳимани дилига йўл бермай хотиржам Андижонга ҳам етиб келди. Андижон *саркардаси* катта иззат ва чексиз эҳтиром билан мирни Андижон қасрида қабул қилди. Бир-икки кун ўтиши билан Андижон улуғлари уни муҳолифат кўрсатаётганини билдилар. Андижоннинг барча машҳур катталари вилоят ҳокими ҳузурида йиғилиб маслаҳат қилдилар. Улар бир-бирларига дедиларким, Фарғона мулки вилоятларида ҳеч ким Норбўтахондан бирор зулм ёки жабр кўрмаган. Сабабсиз муҳолифат кўрсатмоқ бу айни қўзғолоннинг аломатидир. Бул эса вилоятларда бесаранжомликни келтириб чиқаради. Кейин, саранжомли ва сариштали хонни бу беанжом ва бебош, саранжомсиз одамлар иккинчи Рум бўлган шаҳардан чиқаришлари, унинг устига бостириб боришлари, йўқ қилишлари амри маҳолдир. Боз устига хон хизматида жанговар ва ишбилармон кишилар мавжуд. Уларга қаршилик кўрсатиш хавфли.

Охир-оқибат шу қарорга келдиларки, бир кишини махфий тарзда хон ҳузурига юборайлик. У бориб бу ажойиб воқеани Норбўтахонга маълум этсин. Биз эса мазкур мир хизматини қилиб, муҳолифат ноғорасини чалган ҳолда Андижон қўшинини жамлаб, мирнинг олишувларига аралашиб, иш сулҳ билан тугашигача унинг хонлик иззатини жойига қўямиз.

Шу маслаҳат билан узоқни кўра биладиган ва андишали бир мулозимни Норбўтахон хизматига яширинча юбордилар. Оқибатли элчи ва эзгу иш қилувчи *қосид* (чопар) Норбўтахон олдида бориб, қабулига кирди-да, унинг ҳумоюн қулоғига барча воқеаларни етказди. Салимдил хон ва ақлли султонни биродарлик шафқати ва раҳмдиллик марҳамати жўш уриб, ўз давлатхоҳларидан бири орқали илтифотнома юбориб, // 15^а шаҳзода ака-укалар орасида бундай воқеалар бўлиб туришини таъкидлади. **Назм:**

Хурдсолон ба бародар бикунанд бе адаби,
Журм пўшида, ба бародар медихандаш адабе.
Зиллат омад сабаб лозим бахшидани ҳақ,
Мағфиратро сабаб омад кунх бе адаби.

“Кичиклардан гуноҳ, улуғлардан ато, ёшлардан бебошлик ва қариялардан кечириш” деганларидек, элчи султоннинг шафқатномасини хоқоннинг хомаси нақши билан Андижон амирлари ва *надим*ларига етазди. Улар султоннинг бағоят лутфи ва хоқоннинг бениҳоят шафқатидан сарафроз бўлиб, унинг тоғдек улкан қалби ва Нил дарёсидек кенг юрагига офарин дердилар. Биродарлик шафқат ва марҳаматини қалби соф хон ва гинаси йўқ хоқон мазкур мирга дариг тутмаслигини улар билдилар. Муроса-ю мадора юзасидан Ҳожибекка хон(зода)лик ҳурмат ва иззатини жойига қўйиб, унга эҳтиром ва иззат-икром кўрсатардилар. Кўп ўтмай Норбўтахон кўп қўшин ва саноксиз лашкари билан балойи ногаҳонийдек Андижон устига етиб келиб қўнди. Орага балоғатшиор сулҳ тарафдорлари ва фасоҳатосор доно элчиларни қўйиб, энг яхши муомала ва энг малоҳатли мақолот бирла жасур мирни инсоф ва ислоҳга келтирдилар. Уни иззат ва ҳурмат ила Норбўтахон ҳузурига олиб келдилар. Ака ва ука бир-бирларини шафқат бағирларига босиб, йиғи ва сиғи куйини наво пардасидан дилхарошлик мақомига кўтардилар. Фарёд ва фиғон дардмандлар ва ҳамнишин вазиру *надим*лар дилидан чиқиб, уй шиптини кўтариб кўк фалак устига қўйдилар. Бири, “Кошқийди, султонлик камаридан онам раҳмига ўтмасам эди”, – деса, бошқаси: “эй вой, онамдан оламга келмасам эди”, дерди. Азалдан ҳозирги давргача ука акани, ака эса укасини йиқитиб, хонлар ва хоқонларнинг номаъкул ишларини касб этган. Бу қандай қоида ва расмдирки, бир олам тўнтарилади, қўзғолонлар келтирилади, беҳиммат золимлар ва бешафқат жабр етказувчилар ака-укалар ва жигаргўшаларга нисбатан раҳмсизлик ва шафқатсизликни раво кўрадилар. Бу беш кунлик ориятли ва бемуруввату бефутувват давлатга кўнгил қўядилар. Бу подшоҳлик эмас, балки йўлтўсарликдир. Силайи раҳм эса барча динлар ва миллатларнинг энг улуғ амрларидандир. //15^б Инсоният кашф этган энг яхши иш ҳам шудир.

Бундай шафқатойин сўзларни назокатли тилларидан бир-бирларига айтиб, гина қилардилар ва диллари ойинасидан ғубор ва кудуратни тозалаб, оқибат иккала тараф ҳам адоват ва хусуматни кўнгилларидан олиб ташладилар. Тарқалган сув қатралари яна бирлашди.

Назм:

Хашмгири нармхўёнро хатост,
Об гар сад пора гардад боз бо ҳам ошноост.

Шундан сўнг Андижонга кириб, бу ернинг улуғларига тўнлар бериб, бу вилоятнинг бирор бир улуғи ва кичигини қаршилиққа гумон қилмадилар. Хурсандчилик билан қайтиб, Қубо, аслида Қубод бўлган вилоятга ташриф буюрдилар. Султон қадамнинг гарди ва оти нағалининг ғубори бу диёр тупроғи қадрини шарофат авжига ва буюклик мақомига кўтарди. Мезбонларнинг ором ва осойишталик ёстиғида таянганида унинг ҳузурига турли таом ва ичимликлар киргизиб, подшоҳлик расми ва одоби билан шоҳ хизматини қилдилар. Саодатмакон хон Ҳожихонни хизматга олиб, қабулда ўз ёнига ўтказди. Иккалалари бир одамдек бўлиб, ҳамтабақ бўлдилар. Йўл азобидан ҳорикқан замон султонининг таъби суяқ ошга мойил бўлди. Шунда қошукни у мурувват одобидан Ҳожибекка ҳавола этди. Ҳожибек эса Норбўтахон тарафига итарар эди. Шулар тариқа ўзаро ҳурмат ва таъзимни кўрсатиш учун қошукқа қўл узатмай, бир-бирларига мурувват қилардилар. Оқибат Ҳожибек арз қилдики, ака, сиздан олдин бу қошукқа қўл узатиш беадаблар ва шумқадамлар қоида ва расмларига тўғри келади, ақл кўзи бўлган сийрат эгалари ойинига тўғри келмайди. Шафқат шиорли ва марҳамат осорли хон жигарбандининг хижолат тортаётганини кўриб, оталиқ ва акалик шафқату марҳаматини дариг тутмай, тамаллуқ кўплигидан деди: Эй нури дийдам, қалбимнинг сурури ва отамдан қолган ёдгори! Шунча фаросатинг бор экан, бир қошукқа қўл узайтиришни ўзингга эб кўрмай қандай қилиб ҳукмронликка қўл чўздинг?! Сабрли бўл! Агарда Аллоҳнинг лутфи санга мувофиқат ва мусоидат қилса, санга ҳам салтанат навбати етар. Бу давлат сен ва менга ўхшаганларнинг неча минг-мингини кўрган!

Назм:

Мағрур шуда мағў, ки ин мулк аз мост,
Ҳар кас, ки дар ин мулк биёмад бархост.
Онҳо ки ба дил захмии мардум чун тир,
Нанишаста ба хонае камон рафт рў(й) рост.

Шундан кейин фориғ бўлгач, хушвақтлик билан мазкур мир ҳам ўз қароргоҳига қайтиб ором бўлди. Шу кеча бу фараҳафзо жойда ётиб, эртаси у ердан кўчиб Ёрмозорга келиб тушди. Бу манзил фахрини ҳам хон зафаржиловли отининг ғубори ва ҳашаматли яқинлари билан Сомон йўлигача кўтарди, шону шуҳратини юксалтирди. Икки-уч кунни шу ерда хурсандчилик билан ўтказиб, шод ва хуррам тез ва енгил юрадиган уловига миниб, масофаларни босгунча дарбори олийга етиб келдилар. Аркони давлат ва хосони салтанат билан бирга қасрул-амора (Хўқанд)га келиб қўнди. Еб-ичишлардан сўнг амирлар ва улуғларга ҳам рухсат берди ва улар ўз қароргоҳларига қайтиб жойлашдилар.

Бу воқелардан бир-икки йил ўтар-ўтмас Норбўтахон бандаликни адо этиб, хожасининг даъвати ила ҳузурига шошди ва “Раббинг ҳузурига рози бўлиб қайт” деган ишорага амал қилиб, бу ғурурли ва пуршарру шўр, файзи беҳузур оламдан кўчиб, нариги дунёни ихтиёр этди. Салтанатнинг жумла давлатхоҳлари ва аморатнинг барча намакхўрлари, вазирлару *надимлар*, *махрамлар*, хосу авом, саройнинг ичкари ва ташқарисидагиларни нола ва зорийларининг ғулғуласи ложувардий осмонга етди. Ўттиз олти йиллик салтанатни ажалнинг бир эснаши билан фано бодига бериб, мусибат нарвони поясини Ҳулкар юлдузига етказдилар.

Назм:

Сию шаш сола салтанат он рўз,
Кард барбод як дами дилсўз,
Шодкоми, ки ҳамчу барқ гузашт,
Тиғи алмос гашту шуд дилдўз.

Қора либослиларнинг кўплигидан олам қора тунга айланди. Унинг роҳатпарвар жасадини қора тупроққа топширдилар. Унинг қабри жуволини оғир тупроқ билан тўлдирдилар. *Маҳрам* ва *ходимсиз* тийра тупроққа ёлғиз қолдириб қайтдилар. Мазкур хон вафотини топиб шундай назм ипига тортганлар:

Жаҳон на жойи қарор аст ва на макони сурур,
Ба гиряхои жигарсўз жумла домани тар рафт.
Раҳе ки шоҳу гадо дар убурур яксон аст,
Хуш он касе, ки сабуктар ва сабукбортар рафт.
Дихи хабар зи убури амир Норбўтахон,
Мисоли тир бижасту аз камон бе пар рафт.
Мурури айёми давлати ў сию шаш сол,

Бирафт аз пайи онҳо ки пеш аз ин дар рафт.
Хирад бигуфт таърихи фавти Норбўтахон,
“Бақои Норбўтахон зи фавқи афсар рафт”.

Маъно арбоблари ва парҳезкорлар қалбига аниқ ва равшан маълум бўлсинким, // 16^б “афсар фавқи” алиф ҳарфидир ва уни “Норбўтахон”га қўшсак, “бақо” сўзини эса исқот қилсак таърих 1213/1798–1799 юзага келади.

Норбўтахон бу фано олаמידан хайрлашганда дорул-хилофат (Хўқанд)да ихтилофлар кўзгалди. Бунинг сабаби шу эдики, хони мархумдан учта ўғил ва бир укаси қолган эди³⁰³³. Барча ўзбекия қабилалари гуруҳларга бўлиниб, шу тўрт нафардан биттадан танладилар. Бу тўрт нафарнинг номлари қуйидагича эди: Олимхон, Умархон бир онадан оламга келган ва у аёл минг қабиласидан бўлиб оти Мингойим эди. Учинчи ўғилни исми Рустамбек бўлиб, у бошқа аёлдан таваллуд топган эди. Тўртинчи Ҳожибек Норбўтахоннинг укаси эди ва унинг аҳволи юқорида зикр қилинди. Тилга олинган юқоридагиларнинг ҳар бирини бир жамоа қўлларди.

Назм:

Дар пайи ин обу шўр афтодаанд мустасқиён,
Нест суде бар касе аз хўрданаш ёбад зиён.
Оташе пеши назарҳо жилва кард дар ранги об,
Қатрааш дар синаҳо чун оташи Намрудиён.
Ташнаи ин оби оташнок нўшад журъае,
Оташи ин ташнаги сўзад забонро дар даҳон.
Ҳамчу оби шўр ин дунёи дун, балки сароб,
Баъди нўш аз ташнаги дорад суроғи новадон.

Оқибат минглар³⁰³⁴ жамоаси ғолиб келиб, Олимхонни салтанат тахтига, волийлик маснадига кўтардилар. Тахтга қарор топиб байъат қилгандан сўнгра барча ўзбекия ва сартия халқи Норбўтахондан қолиб, унинг суюкли ўғли Рустамбекни хон кўтармоқчи эдилар. Улар кўркмасдан ва ваҳимага тушмасдан муҳолиф сўзлар ва шўр солувчи мақолларни уч ва тўрт нафарга бўлишиб, баланд димоғлик ва ёмон сўзлик билан айтардилар. Бу ваҳимали сўзлар ғажур Олимхон қулоғига бориб етди. Унинг кўнглига ваҳм ва кўркув тушди. Норбўтахон давлатхоҳлари ва *саркардаларидан* Пирмуҳаммад *ясовул*³⁰³⁵, унинг ўғли Тошмуҳаммад мирзо, Бузургхўжа, Хонхўжа, Ҳожибек ва Рустамбекларни қатл қилди.

Баъзи *саркарда* ва *саркардабаччалар* Ражаб *қўшбеги*³⁰³⁶ тожик, унинг ўғиллари Мирзо Раҳим ва Бобо Раҳим, Қобил Мирзо тожикнинг ўғиллари Қурбонмуҳаммад Мирзо ва Мўминжон Мирзо, Ғариб Дўст *ясовул* ўғли, домла Ашур Муҳаммад, Худойқули *баҳодир*³⁰³⁷ тожик қочиб барчалари Бухорога кетдилар.

Вилоят бироз саранжом ва тинч бўлгач, бошқа давлат устунлари ва амирлар ҳам // 17^а Бухорога қочиб кетдилар.

(Олимхон) мамлакатни тартибга келтириш, уни кўриқлаш ва жаҳонбонлик ишларга машғул бўлиш учун бел боғлади. Ҳар бир ер ва ҳар бир шаҳарда ул замонлари ишбилармон ва майдон муборизлари бор бўлиб, уларни саройга чақириб Хўқандда йиғдилар. Бир куни уларни кўриқдан ўтказиб, янги дафтарга рўйхат қилди ва уларга “*гала баҳодирлар*” деб ном қўйди. Унинг замонида кўп шаҳарлар унга қарши муҳолифат ноғорасини чалдилар. Подшоҳлик кучи ва шаҳаншоҳлик зўри билан барча вилоятларни фатҳ этиб, ундан кейин душманлари вилоятларига ғайрат кўзи билан

³⁰³³ Бир қизи Офтоб/Ойтобойим Маъсумхонтўрага, иккинчиси Чуст ҳокими Эшонхонтўрага (улардан Бузрукхонтўра ва Рустамтўралар оламга келган), учинчиси Зулфиқортўрага, тўртинчиси Хўжатўрага (улардан Подшоҳхўжа ва Хайруллоххўжа ва икки қиз оламга келган), бешинчиси Умаралихўжага (уларнинг ўғли Нақибхўжа) турмушга берилган эди. Аслида Нарботирнинг биринчи ўғли Муҳаммадаминбек отасидан олдин 1798 йили тўсатдан вафот этган. Унинг онаси бошқа эди.

³⁰³⁴ Минглар – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Ҳозирги Самарканд вилояти, қисман Фарғона водийси ҳамда Бухоро воҳасида, тарқоқ ҳолда Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод, Денов туманларида, Хоразмда ва Тожикистоннинг Ҳисор туманида яшаганлар. Зарафшон водийсида яшовчи минглар учта йирик уруғга, бу уруғлар, ўз навбатида, яна бир қанча кичик уруғларга бўлинган: 1) туғали (ахмат, чағир, тўйи намоз, оқшиқ ва б.); 2) боғлон (чибли, қора, мирза ва б.); 3) увоқ тамғали (алғол, чаут, жайли, ўрамас, тўкнамоз, кию-хўжа, ярат) уруғлари. Минглар бошқирдлар таркибига ҳам кирган. Қўқон хонлари минглардан бўлган. Бухоро воҳасида яшаган минглар ҳам Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Хонликдаги муҳим мансабларни мингларнинг беклари эгаллаб келган. Ўратепа ва Ургут беклари ҳам минглардан бўлган.

³⁰³⁵ Ясовул – ясо, муғуллар қонун-қоидани билувчи, кўриқловчи шахс, аскар.

³⁰³⁶ Қўшбеги – қўш, ҳарбий лагернинг кўмондони. Бухоро амирлигида вазир даражасидаги амалдор.

³⁰³⁷ Баҳодир – ботир, мунтазам кўшиннинг аскарлари.

қаради. Бир-икки марта лашкар йиғиб душмани вилоятлари ва ғаними қалъалари устига от чоптириб, ғалаба билан ўз қароргоҳига келиб қарор топди.

(Олимхон) табиатида соҳибқиронлик бўлгани боис, кам сонли оломондан ташкил топган бесару сомон қўшинни унинг алпдек юраги қабул қилмади. (У) кўхистонлик ва бадахшон³⁰³⁸ликларни дўст тутар эди. Унинг бир-икки нафар бадахши ва дарвозлик³⁰³⁹ халқидан давлатхоҳлари, бир неча киши эса Қоратегин³⁰⁴⁰, Ҳисор³⁰⁴¹ ва Кўлоб³⁰⁴² аҳлидан яқинлари бўлган. У аксар кечалар улар билан бирга бўлиб, ҳамсухбат эди. Бир кеча шафқат ва мусофирпарварлик юзаси, чексиз хоқонлик лутфидан уларни сарафроз этган ҳолда соҳибқиронлик маслаҳати учун ораларидан жой олди. (Кўхистонликлар ҳам) бандалик тариқаси ва бош эгиклик йўли билан арз қилдиларки, жаҳонпаноҳо! Бу ўзбек халқи жуда ёмон ва ёмон тадбирли халқдир. Уларнинг тадбирлари ва ёмон кутқуларидан биз мусофирларни сенинг ғарибнавоз лутфинг ва марҳаматпардоз шафқатингдан узоқлаштириб, бизни ҳижронда қолдирадилар. Салим юракли хонни юмшоқ сўзлар ва ширин калималар билан ром этиб, шундай қарорга келдиларки, биз мусофирларнинг хатоларидан биров келиб ҳумоюн қулоғига хабар берса, асло унга аҳамият бермасин, чора кўрмасин. Шундай қарорга рози бўлиб, келишилди. Иккинчидан, ҳумоюн қулоғига етказдиларки, қўшинни икки тоифа тожиклардан ташкил қиламиз ва уларни нусрат асар лашкарнинг муқаддимасига айлантирамиз. Қоратегиний ва вахёйилардан бир гуруҳ тузамиз, бадахший, кўлобий, ҳисорий, шуғноний ва чатрорийлардан иккинчи гуруҳни тузамиз. Ҳар иккала гуруҳни қалъалар қамалларида икки тарафдан соламиз. Улар ному номус талашиб //17^б бир-бирлари билан жўшу хурўш қиладилар (ва шунда ўзбеклар) айтадиларки, “бу қандай беномусликки, беболу пар тожиклар ва бепою сар мусофирлар бу вилоят анҳоридан бир коса сув ичмай туруб, бу амирлик эҳсон дастурхонидан бир лукма нон емасдан шунча жонсупорлик ва фармонбардорликни ўзларига лозим деб билиб, мусобақа тўпини хизматкорлик ва давлатхоҳлик майдонидан ютиб олибдилар?!“

Бизнинг томиримиз шу хонадондан. Қадимул-айёмдан ота боболаримиз бу вилоят эҳсонлари ва шу саодатли давлатхонанинг шоҳона лутфу марҳаматларидан баҳраманд бўлиб, озикланиб сарафроз бўлганмиз. Бу ҳаммаси бизларнинг қобилиятсизлигимиз, аёлларга ўхшаб уй анжомларни эр билан қиморга бой берганга ўхшаймиз”. Охир оқибат бир-бирлари билан олишиб-талашиб, хизматга журъат қилишлари мумкин.

Сўзга учадиган хон бу гапларни қабул қилди ва дарвозликлар ва бадахшийларга қаердан ва қайси маконда бўлмасин вахёйи, дарвозий, бадахший, шуғний ва рўшоний, чатрорийларни топиб, йиғинлар, деб амр қилди. Қоратегинликларга сизлар вахёйи ва Қоратегинликларни тўпланг деб буюрди. Қисқа муддатда Қоратегин ва Вахё халқидан уч минг, тожиклардан етти юз киши тўпланди. Валекин, дарвозий, бадахший, шуғний ва рўшаний элидан ўз оёғи билан келганлар сони беш юз нафарга етди, холос.

Шунча тожик халқини хон назаридан ўтказиб, уларга сарпо бериб, қурол-аслаҳа билан мукамал жиҳозлантириб, от ҳам бердилар. Дарвозликлар ва бадахшийлар жаноби ҳумоюнний арзига етказдиларки, жаҳонпаноҳо бу элдан беш юздан ортиқ одам топмадик. Агар ижозат берсангиз ва биз ғуломларга бағоят марҳамат ва бениҳоят карамингизни сочсангиз хоҳ рўшаний, хоҳ шуғноний, хоҳ чатрорий ва хоҳ эроний бўлсин, ҳар қандай тоифага мансублигидан қатъи назар, хоҳ бандий ва хоҳ озод бўлсин олиб Хўқандда йиғамиз. Соҳибқирон амир уларнинг арзини қабул қулоғи билан эшитиб розилик берди. Бу рухсатни олиб хоҳ ғулом, хоҳ озодни кўча-кўй ва уйлардан, жувозхоналардан ушлаб олиб, олий саройда жамладилар. Андак фурсат ва оз муддатда бир минг икки юз кишини тарқоқ хизматкорлардан йиғиб, салтанат паноҳи бўлган жаноби ҳумоюннийга манзур ва соҳибқироний назаридан ўткардилар. Уларнинг барчаларини //18^а хоқонлик дафтарига киритиб, уларга ҳам сарпо, яроқ ва аслаҳа, от бердилар. Уларнинг вазифалари саройни қўриқлаш этиб тайинланди. Бинобарин, (Олим) “золим” ном олиб, бир йил муддат ичида аскарлик ишларини тартибга солиш билан машғул бўлди.

Бир йилдан кейин барча тожиклар ва ғуломлардан ташкил топган қўшини билан Ўратепа устига лашкар тортди. Сон-саноксиз лашкар йиғгандан сўнг катта ҳашамат ва кўп лашкар билан

³⁰³⁸ Бадахшон – Амударёнинг юқори қисмида, Помир ва Олой тоғ тизмаларида жойлашган ҳудуд. Бир қисми Тожикистон республикаси (маркази Хоруғ) ва бир қисми Афғонистон (маркази Файзобод) таркибига кирган.

³⁰³⁹ Дарвоз – Помирнинг ғарбий қисмидаги Обихингов, Панж ва Ванч (Панж ҳавзаси) дарёлари оралиғида жойлашган ҳудуд маркази. Ҳозир ноҳия маркази.

³⁰⁴⁰ Қоратегин – Ҳисор тизмасининг жанубий тармоғида, Душанбе шаҳрининг шимол-шарқида жойлашган ҳудуд.

³⁰⁴¹ Ҳисори Шодмон – араб манбаларидаги Шуман. Хонақо дарёсининг Кофарниҳонга қуйилши жойида барпо этилган шаҳар.

³⁰⁴² Кўлоб – ҳозир Тожикистоннинг Кўлоб вилояти маркази.

Хўқанддан чиқиб, уч кун ичида дабдаба билан Хўжандга кирди. Бир-икки кун бу ерда ором олди. Шу муддат ичида барча *саркардалар* бир-бирларига шикоят юзасидан “қайси қоида асосида бу амир иш тутяпти? Бу саргардон ва беҳудакор жувозкаш тожиклар, нишонсиз ва ахлат ташувчи бу ғуломлар қўлидан нима келарди?” деб айтдилар. Воқеанавислар ва жосуслар зудлик билан бу сўзлар хабарини битта қолдирмай султон қулоғи ва хоқон дикқатига етказдилар. Хони далир ва султони абжир ёмонлар ва ҳаромнамакларнинг бу сўзларини эшитгач, ғазабланиди ва жаҳл юзасидан зафаржиловли отига миниб, Хўжанддан чиқиб Оқсувга қўнди. *Саркардалардан* Ирискулибек, Мўминбек ва бошқалар ҳам келиб тушдилар. Улардан биринчи бўлиб Ирискулибек амир хизматига кириб, куллардек одоб сақлаб, тамаллуқ ила бош эгиб, арз қилдики, Зафарпаноҳо! Давлатхоҳлигим ва жонсипорлигимдан бу тожик ва бекбаччалар қўшинини бу ғуломингизга марҳамат қилиб топширсангиз. Эртага улар билан душман устига бориб хизматингизда жонбозлигим кўрсатайин!

Амири фархундарў ва султони фасихгў табассум ва мулойим сўзлик билан деди: Эй тағои! Бу жувозкаш ва ахлат ташувчилар қайси ишни уддалайдики сиз буларга мутасадди бўлмоқчисиз?! Кейин, бу мусофирларнинг отаси ва мураббийси, бу бе болу пар ғарибларнинг таянчи ўзимиз бўламиз. Биздан бошқа таянчлари ҳам йўқ. Бизнинг фармонимиздан ташқари бировнинг хизматини қилмайдилар. Улар мени таниган ва бошқани танимайдилар. Бошқаларнинг хизмати ва фармонига бош эгмайдилар.

Оқибат Ирискулибек ноумид бўлган ҳолда амири пуртадбир хизматидан хижолат бўлиб чиқиб келди. Барча саркардалар амир ҳузурига кириб тожиклар қўшинини талаб қилардилар. Сиёсатли хон ва фаросатли султондан // 18^б Ирискулибек эшитган сўзларни эшитиб чиқардилар. *Саркардалар* охири амир хизматидан бир-бир ноумид бўлиб, чиқдилар ва билдиларки, бирор *саркардан*нинг хизмати қабул қилинмайди.

Эртаси бомдод намозини адо этгач, отга миниб чошт вақти қалъадан бир ўқ тегадиган масофада Калла минорага яқин жойда қўшу палтар³⁰⁴³ ини уриб қарор топдилар. Амири диловар ва паҳлавони зўровар қонхўр тожиклар ва фатҳанжом ғуломларни олдига суриб, *саркардаларига* “Ўратепа қалъасига тожиклар ёпишганда сизлар ҳам қалъага ҳужум қиласизлар”, дея фармон берди. Соҳибқирон амир буюрган қоидага биноан лашкар қалъанинг ҳамма тарафига маъмур бўлди. Шундан сўнг амир *ғалабаҳодирлар* туғи остидан чиқиб тожиклар туғи остига кирди. Қалъа ичидаги камон ва жазоир ўқи уларнинг бошларидан учарди. Амир тожиклар ичига бориб қарор топти ва тожик (аскарлари) либосини кийиб, тоғликлар ҳайбати билан ораста бўлди.

Бағри кенг ва кинасиз бўлган амирни тожиклар ичига кириб фидойилик кўрсатишини кўрганлар дод-фарёд солиб ўзларини унинг оёқлари остига ташлаб: “эй шоҳлар тахтининг зеби, эй тождорлар байроғининг авжи! биз сенинг пойингга садқа бўлайлик, бош-оёғимиз сенинг гарди пойингга фидо бўлсун. Нега бу ерга келдинг? Охи, бу ер хатарли ва хавфли жойдир. Душман ўқи бошимизга ёғаётир. Душман милтиғи ўқи мабодо сенинг ҳумоюн зотингга тегса, бирор зарар ва халал яна тегмасун. Сен бизнинг тирик ва ўликларимизни соҳибсан. Акс ҳолда девор тагида бизларни итлар еб, чўлларда бўрилар тилка пора қилиши мумкин”³⁰⁴⁴, деб айтдилар.

Амир ширин тил ва мулойим сўзлик билан деди: “Менинг жоним сиз мусофирларникидан ёмон ёки яхши эмас. Тирик ва ўлигимни сизлар орангизга солдим. Номусимни сизларнинг ор-номусларинг бирла бирга тикдим. Аллоҳга таваккулни қалбим тилига олдим. Умримни сизларнинг жонларингиз билан боғладим. Менимча, сизларни ҳалокатли ишга солиб, ўзимни эсон-омонликда тутишим яхши эмас”. Шоҳнинг дур сочувчи тилидан бу сўзларни эшитгач катта ва кичик қалбидан фарёд то Сомон йўли буржи³⁰⁴⁵ гача етди. Улар дедилар: шундай ғарибнавоз ва чорасоз шоҳга жонимизни фидо қилиб, мардоналик ва мардлик ҳайбатидан ерга қулаган бўлсак ҳам, *сарбозлик* қиламиз.

Улар ҳаммалари бир иттифоқ бўлиб, қиличларини қинларидан суғуриб олиб, // 19^а Ўратепа қалъаси сари югурдилар. Қалъага ғулғула тушди. “Мўмин ҳам, ака ва она, эгалари ва болалар ҳам қочишди”³⁰⁴⁶ деган оят мазмуни гўё зуҳурга келди. Қалъанинг ичкари ва ташқарисидан дод ва фарёд бу ферузаранг гунбаз сари кўтарилди. Чорак соат ўтмасдан қалъани ерга яксон ва иморатларни

³⁰⁴³ Қўшу палтар – сафар ва юриш асбобу анжомлари.

³⁰⁴⁴ Тоғли тожиклар шевасида берилган.

³⁰⁴⁵ Бурж – йилдаги 12 ой (бурж) – Ҳамал (Қўй – 22 март – 22 апрел), Савр (Хўкиз), Жавзо (Эгизаклар – 23 май – 24 июн), Саратон (Қисқичбақа), Асад (Шер), Сунбула (Қўлида бошоқ ушлаган киз), Мезон (Тарози), Ақраб (Чаён), Қавс (Ўқ ёй), Жадий (Эчки), Далв (Челак), Хут (Балиқ – 20 феврал – 22 март) буржларини осмон табақалари ҳисобланган еттита сайёра – Ой (Қамар), Уторид (Меркурий), Зухра (Венера, Ноҳид), Куёш, Миррих (Марс, Баҳром), Муштарий (Буржис, Юпитер, Саъди Акбар), Зухал (Сатурн) каби сайёралар мазкур буржларни маълум бир даврда босиб ўтадилар, жумладан, Ой уларни бир ой ичида босиб ўтади. Сайёралар бахт, уруш, ёмонлик сингари рамзларга ҳам эга.

³⁰⁴⁶ Қуръони карим, 80:34-36 оятлари мазмуни.

чордеворга айлангандилар. Амири далир ва пурдили шергирни минг нафар тожик ўраб олиб, унинг атрофини темир қалъадек қуршаб, жибба ва дубулға кийдирган ҳолда кўриқлаб, хон атрофида қалқондек туриб, тўпу тўфанг билан Ўратепа қалъасига кирдилар. Ҳасан *девонбеги* масжидига келиб тушдилар. Амир атрофини амирий камон ва филта (милтик) билан қуролланган минг нафар бекбачча ўраб олиб, оташ тушган қалъадек уни кўриқлаб асрардилар.

Бошқа *саркардалар* тожиклар амири музаффар асарни олиб, ғалаба билан уруш вақтида қалъага кирганларини кўриб, бетоқат ва беором бўлдилар ва улар ҳам қалъага дарвозалар орқали бостириб кирдилар. Бу шаҳарнинг турли кўча-кўйларидан туғ-туғ (даста-даста) лашкар кириб келиб, хоннинг ҳумоюнӣ назаридан ўтардилар. Бир вақт нусратасар хон қулоғига Муғ қалъаси³⁰⁴⁷ ичидан омонлик тилаш овозлари эшитилди. Беназир хон тожиклар ва бекбаччалар Муғ қалъаси ҳолини оғир ҳолатга кўйганликларини билди. Одам юбориб, дод-фарёд сабабини сўради. “Бу қалъанинг аркида қолиб кетган манғитлар *илгор* қисмининг доду фиғони”, деб арзига етказдилар. Мулозим юбориб, уларнинг талаби сулҳ эканини билдилар. Мулло Эрناзар номли бир ишончли *саркардани*, манғит³⁰⁴⁸ *саркардаларини* яна бир неча бошқа кишилар билан бирга Хўқандга юборди. Қолган *илгор* қисмининг кўнгилларини тинчитиб, навозиш ва карам кўрсатиб, Муғ қалъасидан чиқариб, омон-эсон Зомин орқали кузатиб кўйдилар. Шундан сўнг ярадор ва ўлганларни рўйхат қилдилар. Захмий ва ўликларнинг жами 444 нафарга етди. Ўлганларни кафанга ўраб, амирнинг шафқат юзасидан берган фармонига кўра *тўпбоши*лар жаноза ўқиб дафн этишди. Шунда уйланган ва бола-чаққаси борларни Хўқандга олиб бориб кўмишди. Мужаррад(бўйдоқ)ларни эса шу жойда дафн қилишди.

Яраланганларни даволашга буюрди. Уларга кўп инъом ва икром кўрсатиб, кетишларига рухсат берди. Шундан кейин тожиклар ва бекбаччаларга Ўратепани талон-тарож қилишга ижозат берилди. Бу вилоятнинг тош ва тупроғидан ташқари барча нарсалар торож этилди. Ўратепа халқи эркак ва аёл яп-яланғоч ҳолатда кўшин ичида нола ва зорлик билан тиланчиликни бошлаб, аҳволларини баён қилиб, егулик ва кийим-кечак //19^б сўрардилар.

Салим қалбли ўзбеклар ва раҳимдил аскарлар уларга тарахҳум айлаб либос ва таом берардилар. Тожик ва сартия халқи шу гадойлик билан ўз шароитларини бироз бўлса ҳам ўнглаб олдилар.

Ўратепани Хўқанд амири келиб, тожиклар ва девсурат бекбаччалар билан босиб олгани ва қатли ом хабарини Бухоро амирига етказдилар. Бу ваҳшатли хабар амири зафарасар ва душманкушдан етиб келганини Бухоро амири эшитиб, дуога қўл кўтариб ҳазрати Мужибуд-даъвот ва Қози ул-ҳожотдан амири соҳибқиронни инсофга келтиришини сўради. У яқинларидан бирини Самарқандга юбориб, шаҳар дарвозаларини тупроқ тўкиб ёпиб кўйишларини буюрди, чунки (Олимхон) замона Хулокуси ва иккинчи Темурига ўхшарди.

(Олимхон) охирул-амр Ём ва Зомингача³⁰⁴⁹ ерларни ўз тасарруфига киритиб олиб, ўз амирларидан бири – Раҳматуллоҳ деганни *оқсоқол* тайинлаб, мирбаччаларидан бўлмиш Қадам

³⁰⁴⁷ Муғ арки – Ўратепа ҳокимлари яшайдиган қалъа номи.

³⁰⁴⁸ Манғит/манғития – Манқит/манғитлар – йирик қабилалардан бири. Ўзбекистон ҳудудида Бухоро воҳаси ва Қарши атрофида, Зарафшоннинг қуйи оқимида, ўрта оқимида, Чоржўй туманида, Жиззахда, Хоразмда яшаган. Манғитлар қорақалпоқлар ва Шимолий Кавказдаги нўғайлар таркибида ҳам бўлган, бир қисми эса Шимолий Афғонистонда яшаган. Ўзбекистонда яшовчи минглар бир қанча йирик ва майда уруғларга бўлинган. Энг йириклари: оқ манғит, оч манғит, қора манғит, чала манғит, бойгунди манғит. Булардан ташқари темирхўжа, исобой, гаулак, кўса, тоз, қорабайир, бақирчи, кула, тамғали, манғит қозоқ, ўн икки чўқай, галаботир, бешкал, чобакчак, уз, увалай ва б. Манғитлар Бухоро хонлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Бу қабила Қашқадарё вилоятида ҳам кучли ва ҳукмрон қабилалардан бирига айланган. 1753–1920 й.ларгача Бухорони идора қилиб келган хонлар манғитларнинг тўқ уруғидан бўлган, шу сабабли хонликда катта имтиёзларга эга эдилар. Мазкур сулоланинг намояндalари аввал Бухорода оталиқлик мансабини қўлга олганлар. Кейинчалик чингизий хонларни тахтдан тушириб, ҳокимиятни ўз қўлларига олишган.

Аслида манбада тилга олинган манқит/манғит, минг, юз, кўнғирот каби ўнлаб туркий уруғларнинг келиб чиқиши Дашти Қипчоқда Жўжихоннинг набираси Ўзбекхон Султон Муҳаммад (тахм. 1282–1342 йй яшаган) – Олтин Ўрда хони (1312–1342) Мангу Темурхоннинг набираси номи билан боғлиқ. Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми (жанубий-ғарбий Сибир)да Абулхайрхон асос солган (1428) давлат ва унинг аҳолиси “ўзбек улуси” дейилган. Пойтахти – Чинги-Тура (ҳоз. Тура) шаҳри. 1428–1446 йилларда ўзбек улусига Орол денгизининг шимолий қирғоқларидан Иртиш дарёсининг ўрта оқимларигача, шарқда Сарису ва Чу дарёларидан ғарбда Ёйиқ (Урал) дарёсининг сўл соҳилларигача бўлган ерлар қараган. Ўзбек улуси уруғ-қабилачилик муносабатлари асосида барпо этилган. 92 бовл (эл-улуси)дан иборат кўчманчи мусулмон туркий халқларни Марказий Осиёда “ўзбек” номи остида тилга олишган ва 1924 йилдан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон ана шу халқ номи билан атала бошлади. Шунинг учун мазкур асарда муаллиф “ўзбек” номи остида тилга олган аҳоли Ўрта Осиёдаги ана шу уруғ вакилларини билдиради. Бу ва бошқа тарихий асарларни ўқиганда “ўзбек улуси”ни ҳозирги ўзбек миллати билан адаштирмастик лозим (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси).

³⁰⁴⁹ Ём ва Зом(ин) – Зомин тоғларининг этакларида, Самарқанд-Хўжанд йўлининг ўнг тарафида жойлашган қалъалар. Аввалбошда чопар – ёмчиларнинг кўниш жойлари бўлган.

иноқ³⁰⁵⁰ тожикни бу вилоят *сипоҳсолори* ва ҳокими этиб тайинлади. Ўзи музаффар ва мансур ҳолда қайтиб, суръат билан йўл босиб кўкғумбаз остонали Хўқанд дорул-аморатига этиб қарор топди.

Амири далир ва қалъа олувчи шерни қайтганидан кейин Бухоро амири ўз давлат устунлари билан маслаҳатлашиб шундай қарорга келди: айна ҳолда бу вилоят аҳлининг қалби алам ва ҳасратдан қайналмоқда, зеро, қатлу талон-тарожнинг зарби ва касрати ҳаётни, уларнинг манглайида аччиқ ва захарга айлантган. Эҳтимол, зафаранжом отларимиз тақаларининг гарду ғубори у ерга етиши билан қатлу талон-тарожда аламзада бўлганлар, ул қавм зулмини тортганлар ичкаридан бош кўтариб, қалъа дарвозаларини шарофат асар лашкаримизга очсалар. Бу маслаҳат барчага маъқул бўлди. Фатҳу зафар умидида амир ўз лашкарини йиғиб, отланиб суръат ила йўл босиб Ўратепа устига тушди. Тошдек қотган бахилларнинг қалби сингари қалъани айланасига қамал қилди. Тўп ва милтик овози ичкари ва ташқарида, чўл ва саҳрода бирор бир жонзотни юриш-туриши, учиши ва ўрмалашини кўймади. Бу садолар ичкари ва ташқарида бўлганларнинг қулоқларини қар қилди. Бу диёрнинг ҳавоси икки тараф тўпу тўфанг ўқларидан қоронғилашиб, тунга ўхшаб кетди. Кечалари аросат ваҳимасини, кун эса нажотдан маҳрум бўлган кунларни эслатарди. Ҳамма бесаранжом бўлди. Қалъанинг ичкари ва ташқарисида оғир кунлар воқе бўлди. Ўттиз кун ва тун қамалдагилар ғизо ва еб-ичишдан фаромуш бўлидлар. //20^a Қалъа ичидаги аламзадаларнинг забти, қалъа ташқарисида душман дафъига машғул бўлиш тожиклар ва ўзбекларнинг илғор қисми зиммасига тушган эди. Ҳамчунин, манғития лашкари яраланганларининг кўплиги ва уларнинг азобидан еб-ичиш ва ухлашдан маҳрум бўлиб, қалъа тарафига қараш учун тоқатлари қолмади.

Назм:

Зафар лоиқи жонсупорон шуда,
Иноят ба мардон зи Яздон шуда.
Ҳар одаме, ки зи поси намак,
Кунад хизмат аз неқномон шуда.

Охир-оқибат, Бухоро амирининг лашкари маъюс ва ноумид бўлиб, минг азоб ва машаққат ила қалъа таги ва буржлар остидан чекиниб, кўшларига келиб, ўқ зарбидан халос бўлдилар. Амир ўз кўшини аҳволини бундай музтар ва мағлуб ҳолда кўриб, зафар лочини қўлдан қочиб осмонга учишни ихтиёр этганини кўрди. Далир шерлари кўп бўлган бу ов қилиш жойида сайд қилишни имкони йўқлигини кўриб, амир қалъани мудофаа қилганлар ва қалъа ташқарисидаги яқдил нарқалла шерларга офарин деди. Аламзада ва зулм кўрган ўн минг фуқарони ўзи билан олиб, Мовароуннаҳрнинг 92 фирқасини тўп ва тўфанг ўқи зарбидан қутқариб бадар кетди. Агарда бу подшоҳнинг энг камтарин ишчилари, жонсипор ғуломлари, фармонбардор бандалари шулар бўлса, соҳибқиронлик лашкари қандай экан!? Бу вилоятда ортиқча қолиш подшоҳлик ҳикмати ва мулкдорлик қоидасидан узоқдир.

Амир зудлик билан қайтиб, ихтиёр тизгинини Бухоро дорул-мулки сари бурди. Боз устига Бухоро амирининг жосуслари Фарғона амири, баланд ин қурган бургутни яна Хўқанддан чиқиши хабарини бердилар. Шу сабабдан ҳам қолишга тоқати етмай қайтишни ўзига лозим деб билиб, Ўратепа устидан кўчиб, тез суръат билан *илғор* сифатида Жиззахга³⁰⁵¹ этиб келди. Шу мавзеда подшоҳлик ор-номусидан икки-уч кун қолиб, қалъани ғалла ва асбоб-анжом билан таъминлаш ишига аҳамият бериб, кўп аскар, тўпу жазоир ва қурол аслаҳаларни қолдириб, ўзи Самарқанд сари равона бўлди. У ерда бир муддат қолишни лозим топиб, беш-олти кунлик истиқоматдан сўнг Хўқанд амирини Ўратепага келиб тушганини эшитди. Амир Самарқанддан шошилини равишда Бухоро сари йўл олди. Амири соҳибқирон ва турклар тождори илғор тарзида Ўратепага ташриф буюрди. Ўратепа сардорлари Раҳматуллоҳ ва Қадам *иноқ*ни султонлик лутфи ва хоқонлик шафқати // 20^b ила сийлаб, ҳар иккала нараШермартабаларини юқори мақомга ва баланд даражага кўтарди.

³⁰⁵⁰ Иноқ – Марказий Осиёда XI–XIV асрларда ҳукм сурган сулолалар салтанатида «маслаҳатчи», “вазир”ни англатган; Бухоро ва Қўқон хонликларида ҳукмдорнинг ишончли кишиси, мансабдор. XVII–XVIII ларда Бухорода улуғ иноқ (иноқи калон) ва кичик иноқ (иноқи хурд) бўлган. Улуғ иноқ даражасига кўра, кўкалтош ва улуғ кўшбеги (кўшбеги-и калон) дан сўнг турган. Улуғ иноқ асосан, ҳукмдор фармонларини кичик мансабдаги амалдорларга етказиш ва амир қабулига муяссар бўлганларни киритиш билан шуғулланган. Кичик иноқ ҳам хоннинг ишончли кишиси бўлиб, баъзан саройдан отга минган ҳолда чиқиш ҳуқуқига эга бўлган. Ўз лавозимига кўра, улуғ меҳтар (меҳтари калон), девони саркор ва дастурхончидан юқори турган. Кичик иноққа ҳукмдорнинг муҳрлари солинган қутичани эҳтиёт қилиш топширилган. Кичик иноқ, шунингдек, амир номига тушган ариза ва шикоятларни қабул қилган; элчиларни қабул қилиш пайтида улар келтирган хатларни очиб, амирнинг шахсий котиби (мунший)га тақдим этган (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси).

³⁰⁵¹ Жиззах/Жиззах/Дизак (кичик қалъа дегани) – қадимий Истаравшанга тегишли истехком, қалъа. Самарқанд–Хўжанд йўлидаги муҳим ҳарбий стратегик жой бўлган. Ҳозир Ўзбекистонда вилоят маркази.

(Олимхон) хизмат кўрсатган аскарлар ва мақбул бўлган лашкарларни яқинлик ва хизматларига лойиқ хусравона саховат ва хоқонга хос илтифотлар билан муносиб сарафроз этди. Мукаррам ёрлиғ билан уларни барчадан мумтоз ва сарбаланд этди. Қамалда қолиб нарсалари тожиклар ва мирбачалар томонидан талон-тарож бўлиб, талофот кўрган фуқароларга нарсаларини қийматини марҳамат ва карамликдан тўлаб, уларни хурсанд ва мамнун этди. Қамал вақтида маъқул бўлган хизматлар кўрсатиб, душман тўп ва тўфанги ўқидан оламдан ўтган йигитларнинг барчасини рўйхатга олиб, уларнинг фарзандларига шафқат ва марҳамат кўрсатди. Уларнинг болаларини дафтарга ёзиб, ёшига қарамадан оталари ўрнига амалларга тайинлади.

Бу ишлар анжом топиши билан Ўратепадан Жиззахгача чўзилган ҳудуд аҳолисига “қил қуйруқ”³⁰⁵² буюрди. Ўзи зафар осорли лашкари билан Жиззах сари отланди. Шошмасдан икки кун деганда бу ўлкага келиб, хайма ва қўш уриб, даргоҳ саропардасини курдилар. Жиззах қалъасини тор ва тошдек қаттиқ бахиллар қалбидек айланаси билан қуршовга олиб қамал қилдилар. Ўра ва гўр қазувчиларга қалъанинг атрофида лаҳим қовлашларини буюрди. Дурадгор ва ёғоч усталарига устунлардан хандаққа яқин чорпоя қуришларига амр этди. Қил қуйруққа келганларнинг барчасига боғлардаги барча дарахт шохларини кесиб олиб, бир жойга жамлашни буюрди. Ҳар бир жамоа қалъани олиш ишига саъй-ҳаракатлари юзасидан жалб этилди. Бирор одамни ўз қўши ва сипоҳини ташлаб кетишга ҳадди ва қудрати бўлмасди. Ҳар куни жосуслар ўз қўшларини ташлаб қочганлардан бир-икки нафарни тутиб олиб қатл қилардилар. Сипоҳигарчилик ва далирлик ишларида бир дақиқа қолиб, дангасалик қилишга ҳеч ким журъат қилмасди. *Сарқарда* ва *тўпчибоши*³⁰⁵³, вазиру *надим*, саййид ва хўжа, хос ва омий, сипоҳий ва мулозимлар, ҳатто мулозим бўлмаганлар эрталабдан то шомгача ором топмай қалъани босиб олиш учун жасурлик юзасидан ишлаб, танбаллик ва касалликка йўл бермасдилар. *Оломон* жамлаган шохларни тожиклар ва бекбаччалар олиб, ўр олдида чимдан тўғаноқ босардилар. Кейин чорпоялар устига жонидан тўйган тожиклар чиқиб, ўққа мўлжал бўлсалар ҳам ёқиб юборардилар. Буларнинг ўқлари зарбидан қалъа ичида ва ташқарисидаги эркак ва аёл, ҳовлида ёки уйда бўлса ҳам // 21^a қутқара олмасди. Ундан халос бўлиш имкони йўқ эди. Улар ўзларини қутқариш учун ҳовлилари саҳнида гўрдек чуқур қовлаб, тожикларнинг тўпу тўфанги ўқидан қутулмоқчи бўлардилар. Тожиклар чуқур ва лаҳим ичида уларни ўққа тутиб, гуноҳкорларга ўхшаб қабр азобига гирифтор қилдилар. Аскарнинг зарбидан тириклайин гўрга кириб олганлар, Мункар ва Накирни кўрганга ўхшаб гўрларидан отилиб чиқардилар.

Қалъа ичидаги аҳоли қалъанинг олти тарафи балойи ногаҳоний каби ўраб олинганини кўрдилар. Эркак ва аёл ҳаёт улар учун чумоли қалбидек тор бўлиб қолганини билиб, бирор жойда осойишталикни топмадилар. Шундай қилиб қалъа ичида қолганларнинг ҳоли танг бўлиб, эртаси тонгда қалъанинг бир тарафини бузиб, нусратпаноҳ амир остонаси хокига ўзларини ташламоқчи бўлдилар. Худди шу кеча зафар паноҳли қўшин ичидан Абдурахмон деган бир тожики девона, гож ва беҳудагў тарафидан беҳуда сўзлар тарқалгани боис, шу қилмиши учун ўз гуруҳи ичидан ҳайдалди.

Унинг қилмишлари ҳақидаги маълумотни айғоқчилар ҳумоюн қулоғига етказдилар. Амир ҳам унга сиёсат қилмоқчи бўлди. Ул бе пару бол, кўрнамак ва мудаббиру оғзи ёмон Абдурахмон дегани, амир амридан хабардор бўлиб, қўшиндан чиқиб қалъага кириб кетди. У ерда қамалда қолганларга далда бериб, айтдики, метин туриглар, амир қўшинида очарчилик. Яқинда очликка чидамаганлар очлик шиддатидан амирни ташлаб қочиш йўлини қидирмоқдалар. Инчунин турли ёлғон ва бемаъни сўзларини қамалдагиларга айтди. Бу қочоқ ва беҳуда сўзловчи одамдан шундай сўзларни эшитган қалъа фуқароси чиқишдан воз кечди.

Абдурахмонни шу кеча қочиб кетиши хабарини амирга етказдилар. Амир ҳикмат юзасидан дарров ўз жойини алмашди. Бироқ, аскарлар амирни ўз жойида кўрмаганларидан қўрқув ва ваҳимага тушдилар. Шу кеча қўрқув ҳайбатидан қочоқ ўзбеклар қўш ва палтарларига қарамай, от ва қамчи билан қочиш йўлига кириб кетдилар Ота ўғилга, ўғил отага қарамади, ака укадан, ука акадан безор бўлди. Заиф тийнатлилар назарида ҳамма томон бало тиғи билан ўраб олинган, ажал панжаси ва мушти кўзларига намоён бўлгандек туюлди. Улар қочишни ихтиёр этиб, шу кеча лашкарлар орасида катта шов-шув ва ғулғула пайдо бўлди. Амир: “бу нима ғавғо?” деб сўради. “Қўшин ғавғоси”, деб жавоб бердилар. “Нима сабадан бу ғавғо пайдо бўлди”, деб яна сўради амир (Олимхон). Хаймада бўлган хизматчилар айтдиларки, султон ётоғи жойи алмаштирилганидан //22^b қўшинга ваҳима тушган. “Ҳумоюн вужудига бирор-бир зарар етганмики, у ўз қароргоҳида йўқ”, дея ҳамма қочиш йўлига қадам қўйибдилар. Шердил амир бу хабарни эшитиб, Ҳофиз Қувват ва Муҳаммадшариф сурнайчига эрталабгача хуш хониш айлаб, нағмасаройлик қилишларини буюрди. Улар икковлон эрта

³⁰⁵² Қил қуйруқ – бирор иш ёки ҳарбий, муодафаа ишларга оммавий сафарбарлик.

³⁰⁵³ Тўпчибоши – артиллерия бошлиғи. Қалъалар ва истехкомлар ҳолатини ҳам у назорат қилган.

сахаргача жигарни ёндирувчи хонишлари билан тунни кунга айлантirdилар. Қўшин аҳли уларнинг нағмалари овозини эшитиб, соҳиби қирон амирни соғ-саломат ўз қароргоҳида туриши, давлати барқарор, салтанат хаймаси ва юртаси устувор эканини билдилар. Ор ва номусга лойиқ бўлганлар ўз қўшларига қайтиб келдилар. Беномус, беғайрат, нокас ва жаръатсиз кишилар шу кеча кўчиб Нов мавзеига етиб бордилар.

Эртасига амир аксар ўзбеки ва элотия халқининг қочиб кетганларини кўриб, атрофидагиларга: “Бу кўчманчи беномуслар охир-оқибат бу мамлакатни душманлар оти туёғи остида зеру забар қиладилар”, деб айтди. Бомдод намозидан олдин у қалъа қамалига маъмур бўлган тожиклар ва мирбаччаларга *махрам* юбориб, уларга қамални тўхтатишни ва секин, шошмасдан чимли тўғаноқлардан чиқиб, кўкка боши етадиган даргоҳга етиб келишларини буюрди. *Маҳрам* амирнинг меҳрибонлигини тожикларга етказди. Фармони олий ва султон рамзларини идрок этган барча қон тўкувчи тожиклар ва жаҳилдор мирбаччалар *махрам*га дедилар: Эй *махрам*! Бир неча кундан бери соҳибқирон ҳимояти ва султон карами билан бу қалъа ишини қарийб тугатмоқдамиз. Амир ўз ғуломларининг ғалабаларини барбод бериб, тожиклар номусини қўлдан бой бермоқдалар. Бу қалъани ари уяси ва сичқон иникига ўхшатиб, нақб қазиб, унга дори қўйдик ва портлашга тайёрлаганмиз. Қалъа ҳалокатга яқин келган. Яна бир-икки кун таваққуф лозим. Банданавозлик қилиб истиқомат қилиб турсалар, иншооллоҳ, соҳибқиронлик номуси султонлик қўлига тушади. Бу аҳволни соҳибқиронига арз қилиш учун *махрам*ни қайтардилар. *Маҳрам* диловар амир ҳузурига келиб тожиклар сўзларини бир-бир етказди.

Амир (Олимхон) соҳибқиронлик саховати ва ҳукмронлик карами билан тожиклар ва мирбаччаларга бағоят ва бениҳоят лутфлар кўрсатиб, яширинча уларга барча лашкар қочиб кетганини, унинг даргоҳида озгина аскар қолганини маълум қилди. “Шундай вақт танглигида султоннинг *мирохур*³⁰⁵⁴лари ва туя боқадиган сорбонларининг уйларига ўхшаш уч-тўртта хонада қолиб кетдим. Ваҳоланки, бу шаҳар (Хўқанд) дорул-аморатининг энг кичиги //22^a, Фарғонанинг, хатто майда қишлоқларининг бирига тенг келмайдиган хархонадек жойда қолиб кетишим давлатдорлик ишлари ва фармондорлик аломатларига тўғри келмайди. Мавлонинг ҳалокати ва моликул-улво фавтидан сўнг бу мулкни олишда не суд ва не фойда? Тезроқ соғ ва саломат келиб, бизнинг саховатимиздан тўла вужудимиз мулкни қўлга олсинлар. Ўзларини ҳам бу қуллаган фалак ва буқаламун чарх ҳодисаларидан қутқарсинлар”, деб айтди.

Маҳрам иккинчи марта бориб, бу ачинарли хабарни тожикларга етказди. Ваҳшат солувчи бу хабарни эшитиб, тожикларнинг ақлу ҳуш лочини манглай инидан учиб кетди. Улар беҳуд бошларини ерга уриб, соч ва соқолларини юлиб “Бизни Худо урдимики, амири жаҳонгиримиздан айрилиб, ўлим ва йўқлик саҳросига кирдик? Одам суратига ўхшаган ҳайвонсийрат ўзбеклар, золим ва кўрнамак душманлар ит галаси каби амири жаҳонгирни қарийб йўқ қилибдилар, мусофирлар меҳнатларини қора тупроққа яксон қилмоқчилар. Бениёз ҳазрати Худованддан умид қилиб, бу хўжайинимизни шу сафар давомида Кўк тош тахтига ўтқазиб, Самарқандда ҳоким қилмоқчи эдик. Соқолли бу хотинлар қўлидан дод, нобакор бу ҳезалаклар қилмишларидан фарёд! Агарда бу зоти ҳумоюнӣ ва ул дарёдил наҳангга, саодатдалил фарҳангга бирор-бир захм ва зарар етказган бўлсалар, тирикликни ўзимизга ўлим деб биламиз ва қотилларини шундай йўқ қилайликки, бу ҳудуд чўлларидан Фарғона ўзбеклари ўликларининг ҳиди бу ўлка жўрчилари ва йўловчилари димоғидан асло кетмасин”, деб айтдилар. Шу сўзларни айтиб тожиклар зудлик билан чимдан қилинган ғовдан туриб, тонг эрталаб жимгина чиқиб, оч бўрилардек қўшин ичига кириб ўз қўшларига кирдилар. Улар амир жисмини соғ-саломат устувор, давлат тахтига барқарор ҳолатда кўриб, пок Парвардигорга шукроналар тилларидан жорий бўлди. Ҳар бирлари остона ўпиш давлати ва ҳол сўраш саодати, шарофатасар суҳбатига мушарраф бўлдилар. Сурайё манзилли ва дарё карамли амир бағоят латофат ва беҳад шафқати билан уларнинг бошини осмонга кўтариб, қочганларнинг қўшу палтарлари, нарса ва палосларини саранжомлик билан бир дона игна ва ипини ҳам қолдирмасдан, юклашни буюрди. Ҳеч ким ва бирор-бир нарса қолмасдан барча аробаларга миниб, аста-секин қўшу //22^b палтарларини лашкар олдига солиб йўлга тушдилар.

Жонбоз тожиклар барча қўшларни саранжом этиб, нусрат асар лашкарнинг муқаддимасида байроқ кўтариб секин юра бошладилар. Ғалаба келтирувчи ва эзгу номли амир шоҳона салтанат ҳамда ноғора ва куй билан елдек учадиган маркабга миниб, мирбаччаларни орқасига солиб қайтди. Йўл давомида қочган лашкарнинг ташлаб кетган лашкария асбоб-анжомлари, чекинганларнинг қолдирган қурол-аслаҳаларини тожиклар ўзлаштириб кетардилар.

³⁰⁵⁴ Мирохур – хон (амир) саройидаги отлар ва отхоналарга жавобгир амалдор.

Жиззахдан Бухорогача, манғитиянинг бутун тобеотида соҳибқирон (Олимхон)ни қайтиб кетиш хабари тарқалиб, хурсандчилик ва шодлик бошланди. Хушу хурсандчилик овози ва сурнаю карнай садоси кўк гумбазга етиб, осмондагилар кўнглини беҳузур қилди. Оқибат бағри кенг ва шерпайкар амир ўз лашкари билан тантанали равишда мулки пойтахтига келиб тушди.

Назм:

Шаҳон зулм варзанд на дар қасди зулм,
Кунанд душманонро аз раҳи мулк гум.
Ҳар он шоҳ мардони корозмоҳо,
Ба даргоҳаш орад зи ҳар марзбум.
Чи зулме, ки дар олам омад падид,
Бувад воқеъ зулм дар афъоли шум.

Тахтга қўниб (хон) барча *саркардаларга* шундай буйруқ берди. Сипоҳигарчилик ишларидан бир соат ҳам ғофил қолмай, кеча ва кундуз аслаҳа ва асбоб-анжом қидириб топишга машғул бўлинглар; сипоҳ ахволдан хабардор бўлинглар; уларни оч ва яланғоч қолдирманг, зеро мамлакат ободонлиги уларнинг ҳолатидандир. Бундан ташқари вилоятлар забтига кўшиш қилинг, кўшин таъминотига беписанд бўлманг. Бир ойдан кейин кўшинни кўрикдан ўтказаман. Шундай фармойиш билан *саркардалар* ва аскарларни вилоятларга кетишлари учун рухсат берди.

Бир муддат, мумкин икки йил барча вилоятларидан хотиржам бўлиб, тинчгина ҳукм суларди. Атроф ва жонибдаги берў шайхлар ва худрў (сохта) сўфийларни тафтиш ва текширишдан ўтказиб, ўз пирларига одоб юзасидан хизмат қилиб, сулук сайрини тамоман бажо келтирганларга, сарпо бериб султонлик карами ва хоқонлик шафқати билан сарафроз этди. Катта иззат ва кўз кўрмаган ҳурмат билан уларга ижозат берарди. Қоидасизлик ва одамларни йўлдан оздириш, залолат ва бидъат, тамагарлик билан раҳбарлик қилувчиларни ҳукмронлик сиёсати ва қаҳрамонлик таъзири билан жазо берарди.

Бу зоти ҳумоюннинг ўзи жаҳрия сулукига кириб, уни ниҳоясига етказган эди. Ҳафтада бир кун унинг дорус-салтанатдаги саройида барча машойих иштирокида жаҳрия ҳалқасини тузарди. Устози шайх Носир алайҳир-раҳма // 23^а эди ва унинг ёрдамида камол топган эди. Жаҳрия ҳалқасини тузиб, ўзи ҳақпараст қўлига даррани олиб, доира атрофида юриб, зикр қоидасини ўргатарди. Амири мажзуб ва муҳаббат услуб ҳалқанинг ўртасига тушиб, садри самога машғул бўларди, ҳалқани бошқарарди. Жазаба оташининг баланд ёниши ҳалқа файзи шуъласи шуосини оламга тарқатарди. Амирлик ва фақирлик бу ҳалқада сиғмас, шоҳлик ва гадолик бу ерда бир хил эди. Зикр этувчиларнинг оҳ ва нолалари, солиқлар доду фарёдларининг шўру ғавғоси осмонда яшовчи (фаришта)лар оламига ҳам безовталиқ оташини урарди, юракни ёндирувчи муҳаббатни эритиб ташларди. Ҳар замонда йиртиқ кийим кийган сариқ юзликларни кинасиз бағри оловхонасига босиб, яланғоч тождор бошини ерга урарди ва сидки дилдан нола қилиб, дердики, эй муҳаббат майдонининг ишқбозлари, эй ваҳдат саҳросида тўп сураётган отчопарлар! Бу мубталого раҳм қилинглари ва қалбларингиз бурчагидан хайдаманг, хотирдан йўқ қилманг! Ўғрилар либосларидан кам бўлмаган бу ориятли (шоҳона) кийимларга кимёасар назар билан боқманг, оғир ва кулфат келтирадиган тожим тошининг дарди сардан бошқа кадри йўқдир ва буни ҳам эсдан чиқарманг! Амирликнинг оғир юкини кўтарган ва саргардонликдан надоматда қолганга раҳм этинглари, хотир таважжуҳи билан манзури назар этиб, валоятасар назаридан маҳрум этмангиз. Шу сўзларни ҳар бир мажзубга айтиб, нола ва зорий қиларди. Унинг дардли сўзларидан жаҳрия ҳалқаси янада баланд ёнар, зокирлар қалбидан нола кўк гумбазга кўтарилиб, буржларга етиб борар эди.

Кўрганлар йиғи-сиғи кўплигидан беҳудлик тупроғига йиқилиб, ерга тушардилар. Доду фарёд ва жўшу шовқиндан шаҳарга ғулғула тушиб, шаҳар аҳли саройга қараб Худога дуо қилиб, зокирлар истакларини ижобат бўлишини сўрардилар. Дуо вақтида ўзлари ҳам файзли бу мажлисга кириб, қалбларидаги истакларини Ҳақ таолодан сўрардилар. Зеро, баъзи шайхлардан эшитган эдики, қайси бир ҳалқаи жаҳрда мажзуб подшоҳ зикр айтса, фуқаропарвар бир шаҳаншоҳ ваҳдат талабида бўлса, унда дуо мустажоб бўлади. Бу хислатларни одамлар мазкур амирда кўриб, мажлис маҳалида у билан ҳамсуҳбат бўлиш учун ҳаракат қилардилар.

Бир марта зикр тушиш ҳалқасининг мажлисида, шавқ ва жазаба жўш урган замон тасодифан бир ҳаромзода, таррор ва қиморбози айёр ўзини мажзуб девоналарга, талабда бўлган ҳақиқат зокирларга // 23^б ўхшаб ораста этиб, зикри жаҳр даврасига кириб амирни кутар эди. Бепарво девоналар ва ғулғулалари зокирлар завқ кўплиги ва шавқ бисёрлигидан амирни ўртага олиб, жўш ва хурўшда бўлган пайтда ул таррор ва маккор ҳаромзода қулай фурсат топиб, девонаваш ва фарзона амир вужудига пичоқ урди. Шу вақт хонишидан олов чиқувчи, ноласидан жигар ёнувчи, ваҳдат ошиқлари қалбини муҳаббатдан тўлдириб, борлиқ фано ғуборини барбод берувчи, дилхарош ва

оташин овози билан муштоқлар жигарини симобдек эритувчи Ҳофиз Қувват деган бир хофиз амир атрофида, булбулдек нола этиб, парвона каби шамъ атрофида айланиб ашула айтаётганида, ул маккор амирга пичоқ уриб уни яраланганини кўрди. Ўзини амир устига ташлаб, иккинчи зарбадан қутқарди. Ҳеч кимга билдирмай, секингина амирни даврандан ташқарига олиб чиққанида бирор-бир киши хабар топмади.

Амирни истироҳат бистарига ётқизиб, давлат масканига тинч барқарор қўйганларида оғир жароҳатдан хабардор бўлдилар. Табиблар даволаш учун малҳамлар тайёрлаб, даволашга киришдилар. Амирга пичоқ урган ул девонаи козиб ва ўғрини қўлга олдилар ва амири салим ҳузурига кириб: “Бу ярамас ўғрини тутиб олиб келдик. Нима буюрасиз? Сиёсат қийноғига олиб каттиқ азоб берсак унинг сиридан воқиф ва огоҳ бўлардик, бу ҳолат ҳақиқатини меҳрдек нурли диққатингизга маълум қилардик. Яна ихтиёр султоннинг ўзида, хоқоннинг хайрли оқибат келтирадиган маслаҳатида. Нима буюрсалар шу бўлади”. Хатоларни кечирувчи, гуноҳларни бахшида этгувчи яраланган амир шафқатли жавоби ва маслаҳат оин хитоб ила ишорат қилдики, сабр ва оғирлик фатҳ ва фараҳнинг асбобидир. Айб ва хатоларни кўриш эса фасод ва кинани келтириб чиқаради, текшириш ҳам оламни куйдиради ва қон тўкишга олиб келади. Оммани қутқариш учун бир хосни қўлдан бой бериш исломий султонлар ва машҳур хонларнинг ишидир. Шаръан ва зоҳиран, шу ишни қилган, гуноҳкор ва жинойткор фақат шу девонадир. Хатокорларга танбеҳ бериш учун девонани қатл қилдилар.

(Олимхон) ҳукмронлиги ва мулкдорлиги даврига оид ҳикоялардан яна бири шу эдики, алдамчи сохта гадолар (ёрдамга муҳтож бўлмаганлар)ни ҳукмронлик текшириши ва султонлик сиёсати билан кўриб чиқиб, адаб ва жазоларини берарди. Девонага ўхшаш маддохлар, лўлисурат ва шаддод алдамчиларнинг ҳар бирига уч-тўрт ададдан тоғдек, маст //24^a филдек кўриниши бўлган туяларни бериб, уларни султонлик ишлари ва девон ғалласини ташишга маъмур этди. Уларнинг тирикчилигини шу аҳвол ва йўсинда берар эди. Зоҳиран валийлик забтини ботиний сиёсат ва шафқат билан безаб ораста қиларди.

Шундай бир тинч ва ором, хурсандчилик даврда айғоқчилар нодон ва худписанд Тошканд волийси бўлган Юнусхўжани нодонлик ва тадбирсизликдан Хўқандни босиб олиш орзусида хомтамаъ бўлиб юрганлиги хабарини хонга етказдилар. Андийлар ва бедин қозоқ³⁰⁵⁵ лар лашқари билан Чодак йўли орқали Хўқанд сари юриб Хуррамсарой³⁰⁵⁶, ҳозирги Ғурумсарой деган жойга келиб тушмоқчи бўлди. Бу ажиб воқеа ва ғариб ҳодисадан ғайратли ва далир, ҳукумати зўр бўлган амир хабардор бўлиб, Хўжанд ҳокими Ражаб *қўшбеги* тожикка мулозим юбориб, унга буюрдики, Юнусхўжа бангий хари ҳангийдек бир гала қозоқ авбошларини йиғиб, бу мулкимиз умидида Чодак йўлидан ўтиб, Хуррамсарой устига келиб қўнмоқчи. Хўжанд кўшинини олиб, дарёдан ўтиб шу кечаси юриш қилиб унинг устига етиб келиб, урушга кирасизлар ва уни чалғитиб турасизлар. Биз ҳам ўша куни бу тарафдан чиқиб сизларга бориб қўшиламыз. Биз боргунга қадар муҳораба ва муқоталага киришмасинлар. Зафар асарли лашқар ва жангари ёшлар билан етиб келиб, индин дарё бўйида қўнамыз.

Қитъа:

Шаҳи жангжў гарчи зулме кунад,
Ба ободии мулк жон меканад.
Шавад мулк обод аз тиғи ў,
Адуру бувад зарби тиғаш санад.

Шундан кейин мулозим йигит амир ҳузуридан чиқиб тез суръат билан Ражаб *қўшбеги* хизматига етиб келиб, барча олий амру фармонларни унга етказди. Бундан хабардор бўлган, душман

³⁰⁵⁵ Қозоқ (лар) – Қозоқнинг этногенези турли кўчманчи қабилаларнинг узоқ муддат давомида аралашуви шароитида кечган. Уларнинг қадимий аجدодларига саклар, усунлар ва б. кирган. Милоднинг бошларида Орол денгизидан ғарбда қозоқлар этногенезига таъсир кўрсатган аланлар яшаган. VI-VII асрларда Қозоғистоннинг жанубий-шарқида яшаган қабилалар Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида бўлган. Бу даврда шарқдан туркашлар, телелар, қарлуқлар ва б. келиб жойлашган. XII асрнинг бошида Қозоғистон худудига қорахитойлар (киданлар) бостириб кирган, улар маҳаллий туркий аҳоли билан аралашиб кетган. XIII аср бошида мўғуллар истилоси даврида Мўғулистон ва Олтойдан найманлар, кераитлар ва б. қабилалар кириб келган. Олтин Ўрда парчаланиши билан XV асрлар ўртасида, Ўзбек хонлигидаги ўзаро низолар натижасида бу қабилаларнинг катга қисми жанубий шарққа, Мўғулистон давлати таркибига кўчган. XVI асрнинг бошида ғарбга қайтиб келган қозоқ қабилалари Қозоқ хонлигига бирлашган (ўзбек қабилалари Шайбонийхон бошчилигида Ўрта Осиёга кетган). Шу билан қозоқ элатининг шаклланиш жараёни тугалланган. Қозоқларнинг қабила-уруғлари тарихан учта гуруҳга бўлиниб, алоҳида худудларда яшаганлар. Улар жузлар деб аталган. Асосий машғулоти кўчманчи чорвачилик, фақат жанубидаги (Сирдарё бўйидаги) баъзи воҳаларда суғорма деҳқончилик бўлган (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси).

³⁰⁵⁶ Ғурумсарой/Хуррамсарой – Фарғона водийсидаги Наманган вилояти, Поп туманидаги қишлоқ.

келишини билган (*қўшбеги*) қўшинни дарё лабига жамлашни буюрди. Лашкар йиғилгач, тун бошида *қўшбеги* қуролланиб аркдан чиқди ва Хўжанднинг барча қўшини билан таваққуф қилмай дарёдан ўтди. Суръат билан равона бўлиб, ярим кечаси юриб, эрталаб тонгда Самғарда қўнди. Пешингача шу ерда истиқомат қилиб, пешиндан кейин у ердан кўчиб Қамиш қўрғон³⁰⁵⁷ га етиб келдилар. Шу ерда беназир амирдан хабар келдики, эртаси чоштгоҳ вақтида Ғурумсаройга яқин дарё бўйига етиб келамиз. // 24^б Булар ҳам “Иншооллоҳи таоло, агарда бениёз ҳазрати бизга мададкор бўлса бизлар ҳам шу вақтда етиб боражакмиз ва душманга бақамти бўлиб, муқотала ва муҳорабага киришамиз”, деб огоҳлантирдилар.

Қўшбеги шу кунни Хўжанд қўшини билан Қамиш қўрғонда тинч ва осойишта, фароғат билан ўтказди. Аср вақтидан кейин отларга ем ва ўт бериб, сипоҳгарчилик асбоб-анжомларини дурустлаб, отларни эгарладилар-да миниб елдек равон бўлдилар. Эртаси куни тонгда Ғурумсаройга етиб бордилар. Дарё лабидаги бир пастликда жойлашиб, отларга дам бердилар. Тонг отиши билан таҳорат қилиб, бомдод намозини ўқидилар ва ундан кейин қарасалар дарёнинг нариги тарафига амири далир лашкарининг муқаддимаси етиб келиб, қўш урибди. Ражаб *қўшбеги* дарёдил амирнинг нусратасар лашкари муқаддимасини кўриб, жойидан туриб отга минди. Бутун лашкар ҳам шу ерда камонларини ўқ билан тўлдириб, найза ва байроқларини кўтариб душман устига бостириб бордилар. Туғ кўтарган суворий оти оёғига ишқал боғлаб, эллик нафар тожик *мерган*ларни туғ остига қолдириб, уларга “қачон биз жангга киришсак, сизлар шу ерда устивор ва барқарор турунг. Бизнинг олди ва орқамизга ишлари бўлмасин, зеро жанггоҳда гоҳ биз суриб олдинга кетамиз, гоҳ улар бизни чекинишга мажбур қиладилар. Бироқ, агарда душман сизларга ва туғга қасд қилсалар, давра бўлиб милтиқлардан отинглар. Агарда сизларга ғолиб келмоқчи бўлсалар, сизларга зарар етказишларига йўл бермаймиз”. Шу сўзларни айтиб, сафларини ростлаб жанг талаб бўлиб турдилар.

Дашти қипчоқ³⁰⁵⁸ қўшини устига оқ яловли *илзор* етиб келиб жанг талабида турганини Юнусхўжага хабар бердилар. Юнусхўжа қозоқларнинг санчиқли³⁰⁵⁹ жамоасини буюрди улар Ражаб *қўшбеги* лашкарига қарши саф уриб, жангга кирдилар. Шу вақт қозоқия лашкарининг назоратчилари дарёнинг нари тарафидан келадиган тўп овозларини эшитиб, чўлни тўла лашкар босиб олаётганини кўрдилар. Яна лашкар орқасидан уч томонидан қора тунга ўхшаб чексиз туманот қўшин келаётир. Ул нокас кўчманчи ва чўлда яшовчилар қўшини орасига зилзила тушди. Улар бир-бирларига “Бу нашаванд банги хўжа банг кайфидан биз қозоқларни алдов ва фириб йўли билан: – Хўқанддан хатлар келиб, фуқаро ва сипоҳ амирдан юз ўгуриб, бизни талаб қилмоқдалар, ўғилларим // 25^а тўйини у ерда қиларман, дея олиб келди. Энди бизларни бу бало дарёси ва бу офат тўфонига мубтало қилди”, дея ваҳимали калималар ва кўрқув соладиган сўзларни айтардилар.

Қозоқ элатининг номуси, кигиз қолпоқли туркларнинг обрўси, гож қозоқларнинг ноиложлиги боисидан, ўзларига беҳуда сўзлар билан тасалли бериб жангга киришдилар. Ражаб *қўшбегининг* қўшини учар юлдуз каби ул самовий саҳрода чарақлаб, ул даштда жам бўлиб, бирдан нифоқли қозоқлар сафларига ўзларини урдилар. Қозоқлар сафини иккига ажратиб ўтиб, қайтишда милтиқларини ўқдан тўлдириб, найзаларини ўқталиб яна хужумга ўтдилар. Қозоқларнинг ўлганлари отлар туёғи остида қолиб, жанг майдонининг жой-жойида ўтин боғлами каби ётардилар.

Қозоқлар ҳам от суриб *қўшбеги* қўшинини туғидан бир ўқ отиш масофагача узоқлаштирдилар. *Қўшбеги* ҳам қайта отланиб душманларни орқага сурарди. Бироқ *қўшбегининг* туғи жанг маъракаси ўртасида тоғдек турарди, зеро *туғбегининг* от оёғига кишан солинган эди. Туғ ҳам ўртада бир қаттиқ тошдек қотган, барқарор ва устувор турарди. Душман лашкари бу туғ осмон балоси ва Худо қаҳру ғазабидек бўлганини билдилар. Ўзимизни капалак шамга ўзини урганидек урсак ҳам тўфанг отиб тутун кўтаришдан бошқа иш қилолмаймиз. Баланд тоғ ва қаттиқ балодек ўртада туриб қолган у. Душман лашкари гирдбоддек ҳар тарафдан лочин сингари қанот қоқиб, учиб бизга ташланмоқда ва бизни тарқатмоқда. Кўз ҳам очиб бўлмаётир. Ҳали бу қонхўр дарёнинг бир томчиси оташ сочувчи хуршиднинг бир заррасидир. Яқинда бу томчи катта анҳор ва қонхўр Қулзум денгизига айланар. Дарёнинг нари тарафидаги чўлни саноксиз лашкар босиб олган. Агар у дарёдан ўтса, бизни буюк денгизга ўхшаб қамал ва қуршовга олади, бало ғарқоби ва офат тўфонига мубтало бўламиз-ов!

Бундай ваҳимали сўзлар ва шўр солувчи гапларни бир-бирларига айтиб, кўрқув олови барча авбош бунёди ва аблаҳ бебошларнинг жасадига урди. Ваҳима кўплигидан қозоқларнинг туғ ва байроқлари беқарор ва ноором бўлди. Қўзғолон ва шўру ғавғо Дашти қипчоқ ва кўчманчи нифоқ солувчилар қўшини ичига тушди. Бирдан улар ҳамма нарсани ташлаб, қочиш йўлига кирдилар. Ота

³⁰⁵⁷ Қамич қўрғон – Қамишқўрғон, Сирдарё бўйида Умархон тарафидан бино этилган истехком.

³⁰⁵⁸ Дашти Қипчоқ – тарихий-жуғрофий ҳудуд сифатида Марказий ва жанубий Қазоғистоннинг ерлари.

³⁰⁵⁹ Санчиқли – туркий қабила номи. Ўзбек ва қозоқ халқлари таркибига кирган этник гуруҳ.

Ўғилга парво қилмас, ўғил отага боқмас ва оталиқ, фарзандлик ва биродарлик иплари узилиб кетиб, меҳру оқибат йўқ бўлди. “Қочиш куни...”³⁰⁶⁰ содир бўлди. Ҳар андий ва қозоқ // 25^б, ўз жонларини сақлашдан бошқа нарсага кўзлари етмасди. Чўл ва саҳрода “қочдик”, деб кетардилар. Юнусхўжа кўшин аҳволи хароб бўлганини кўриб, ўзи ҳам қочишни ихтиёр этди. Хазина ва бойликларини ташлаб қочди.

Назм:

Чи хуш гуфт карда пароканда аён,
Ки он Фирдавсии Тўси дар жаҳон.
Фароканда (!) лашкар наояд ба кор,
Ду сад марди жанги беҳ аз сад хазор.

Охир ул-амр, (Юнусхўжа) қўшу палтар, чодир ва хиргоҳ, аслаҳаю ашё, хаймалар, озиқ-овқатни тамоман ташлаб, ўн-ўн беш нафар яқинлари билан отни қамчилаб, Чодак йўлига кириб кетди. Чегарадаги халқ қочоқ қозоқлар ва фирорий андийларнинг йўлини тўсиб, от-улов ва кийимларини талон-тарож қилиб, ғорат қилдилар, уларни яёв ва яланғоч қолдирдилар. Улардан баъзиларини асир қилиб, амир хизматига олиб келиб, манзури назар қилардилар. Ражаб *қўшбеги* Юнусхўжа кўшинидан қолган барча ашё, хайма ва хиргоҳ, палосу қурол-аслаҳаларни рўйхатга олиб амир хизматига келтириб, унинг кимийасар назарига манзур қилди.

Хусравоний марҳамат ва шоҳона лутф ила хон унинг бошини кўкка кўтариб, унинг ҳумоюнӣ назарига манзур этган барча нарсаларни *қўшбегига* қайтариб, ҳадя қилди. Уларни аскар йигитларига буюриб, тақсимлаб беришди. Шундан кейин барча йигитларни амир ҳузурига олиб кириб, таъзим одобини бажариб дуо қилдилар. Хизмат ва лаёқатларига мос мансаб ва ёрлиғлар билан сарафроз қилиб, кетишга рухсат бердилар. Амир *қўшбегини* ўзи билан олиб, дорул-аморатга қайтди. Асир ва бандийларни бош-оёқ яланғоч ҳолда суруб пойтахтга кириб келдилар ва тамошабин халойиқ назаридан ўтказиб, маҳбусларга айлантдилар.

Амири далир ва шер гавдали арслон катта нусрат билан келиб давлати пойтахтида қарор топти. Ражаб *қўшбегини* чексиз лутф ва бениҳоя эҳсонлар билан сарафроз қилиб, уни шоҳона кийимлар билан бошқа амирлар ва улуғлардан ҳам мумтозроқ этди.

Анча ором топгач, уч-тўрт кундан сўнг амир барча *саркардаларни* ўзининг хос мажлисига чақириб, Қурама устига лашкар тортиш ва уни тасарруф этиш маслаҳатини ўртага солди. Давлат устунлари ва салтанат аъёнлари амирнинг куёш нуриддек равшан ва зиё тарқатувчи замирига арз қилдиларки, салтанатпаноҳнинг бошида нурга монанд фикр пайдо бўлиб, хуршид каби жило этса, у энг тўғри маслаҳат ва энг ноёб фикр бўлади. Валекин “Барча ишларда маслаҳат қилинлар”³⁰⁶¹ деган амр воқе бўлса, ҳар бир султонга маслаҳатдан бошқа чора қолмайди. Давлатхоҳларнинг маслаҳатлари // 26^а жаҳонни безатгучи хидев(хукмдор)нинг ёғдули фикрига мос келса, қабул қулоғига мушарраф бўлғай. Ўлкаларни босиб олишда зудлик билан мағлуб бўлган душман устига лашкар тортмоқ, энг улуғ ва тўғри маслаҳатлардандир. Бунда икки ҳолат сабабчи. Бири шулким, ҳозир барча киши ҳалок бўлганларнинг ишлари билан банд, яраланганлар давоси ва уруш натижалари билан машғулдир. Иккинчидан, урушнинг барча асбобу олатлари, чунончи дору (порох) ва кўрғошин, жангга зарур нарсалар талаф бўлган. Шу заҳоти душман устига бориш сипоҳгарчиликнинг энг зарур услубидир. Бу маслаҳат барчага маъқул тушди. Амири соҳибхуруж бир қисм лашкарни ўзи билан олиб қолиб, барча *саркардаларга* сарпо бериб, кўшинларини жамлашга маъмур этди. Ҳар бир *саркарда* амир хизматидан чиқишга рухсат олиб, кўшинларни жамлашга мулозимларини юбордилар.

Қисқа муддат ичида барча *саркардалар* вилоятлардаги кўшинларни пойтахтда йиғдилар. Кейин амир эшон домла Муҳаммадьяқуб устозни уламолар билан бирга ўзининг шаҳаншоҳлик мажлисига даъват қилди. Кўшин воқеалари, душман аҳволи, уларни Фарғона мулкидан дафъ этиш, фуқаро тинчлиги ва уларни оёқ-ости бўлмаслиги, вилоятларни душман отлари туёғи остида қолиб кетмаслиги учун тамаллуқ тариқасида мажлисдаги уламоларнинг нурли аҳлига арз қилди. Барча уламо ва фузало сидқидилдан таъзим ва одобни сақлаб, ҳазрати эшон сўзларини ўзларига лозим деб билиб, сукут сақлаган ҳолда жим турдилар. Бир соат ўтиб барча фатво китобларидаги билимлар эшоннинг чўккан юраги ва мусаффо қалбида пайдо бўлиб, эшоннинг муборак оғзидан оят ва ҳадислардан тўла дуру гавҳарлар сочила бошлади. “Эй амири равшанзамир, – деди у. – Бу қиёматнинг муқаддимасидир. Қиёмат эса ҳисоб-китоб жойи. Бу дунёда ҳар ким ўз қилмишларини ҳисоб-китоб

³⁰⁶⁰ Қуръони карим, 80:34-36 оятларига ишора.

³⁰⁶¹ Қуръони карим, 3:159.

қилса эзгуликдан умид қилиши табиий. Эй амири одил, бу мажлис ўша қиёматдан хабар беради. Зеро, ҳазрати додрас ва адолатни ўрнатувчи сени ва бу мажлисдаги олимларни ўз хузурида ҳисоб-китоб учун чақиради. Бу уламони ўзининг ҳайбатли мажлисида бошларини эгик ва шарманда қилади. Бу ваъзхонликдан ғараз шулким, бу дунёдаги умр, аслида, шоҳ ва гадо учун беш кундан ортиқ эмасдир. Сен бохабар бўлгин! Энг улуғ ишлар ва энг қийин муомалаларни анбиё алайҳис-саломларга юклатилган. Анбиёлардан кейин адолатпеша султонларга ҳавола этилган. Эртага ҳукумат аҳволи ва мамлакат муомаласини сендан сўрайдилар. Дил эса, Аллоҳ кўриниши жойидир. Унинг назари ҳамиша қалбларга, муомаласи ҳам қалб биландир.

Агарда дилингда аҳли ислом ва фуқаросини душман ёмонлигидан қутқариш нияти //26^б ва санинг мулк ва вилоятингга зулм қиладиган золимни йўқ қилиш мақсади бўлса бизлар ҳам бунга қўшиламыз”.

Ҳазрати устоз алайҳиррахманинг маърифат билан суғорилган бу ваъзлари ва кўнгилини юмшатувчи калималари таважжуҳидан амири мажзубнинг жавабаси қайнаб, ўзидан кетиб, ерга йиқилди. Ундан ташқари мажлисдаги бошқа кишилар ҳам маърифатга ғарқ бўлдилар. Амирни ўзига келтириб, тождор бошини аҳли мажлисдан бири тиззасига олиши билан, бир-икки дақиқадан сўнг у жойидан туриб, устоз, унинг умри бардавом бўлсин деб бошига тилло ва тангаларни сочди. Бир неча қават турли фохира либослар унга кийдирди. Ҳар бир олимга ҳам шундай қимматбаҳо кийимлар берди. Амири музаффар нусрати ва лашкарининг фатҳу зафари учун дуо қилишни илтимос қилди. Барча олимлар дуойи хайр қилиб кетдилар. Беназир амир ҳам дарвозагача ҳазрати устодни кузатиб кўйиб, яна фотиҳа олиб, дарвоза олдидан қайтди.

Эртаси нусрат асарли байроқни кўтариб, зафар жиловли отга миниб, амир ғалаба келтирувчи тизгинни Қурама сари бурди. Жаҳондор (хон) Оқжар мавзеига келиб дарё бўйида тушди. Эртаси ҳам шу ерда туриб, лашкари билан дарёдан ўтди ва у ердан секингина ҳаракат қилиб, Қамиш қўрғон мавзеига келиб отдан тушди. Шу ерда бир-икки *саркардани* Кандир давони орқали жўнатиб, ўзи эса эртаси куни катта давлат билан Самғар тарафига азм қилди. Яна бир-икки *саркардани* Ўн икки буйноқ йўли билан сафарбар қилди. Эртаси ўзи Уч йўли билан отланиб, суръат билан юриб, Булоқ деган жойда отдан тушди. Бу ерда барча *саркардаларини* бирин-кетин ўзидан олдин юришларига фармон берди. Улар амирдан олдин йўлга чиқиб Қурама вилоятини босиб, остин-устун қилдилар. Қураманинг барча шаҳар ва қалъаларини тошдан ҳам қаттиқ ва чумолининг юрагидан ҳам торроқ, қаттиқ қуршаб олдилар. Эртаси куни нусрат асарли лашкарни гуруҳ-гуруҳ ва даста-даста, санчиқ-санчиқ карнай ва сурнай, ноғоралар овози билан юбора бошлади. Ўзи кўшин орқасидан чиқиб келаверди. Охир-оқибат, Кориз мавзеига келиб тушди. Шу куни Қураманинг барча қалъалари ва ундан ташқари жойлардан ҳам тортиқ ва тухфалар олиб келиб, амирни кўрардилар. Амир ҳам шафқат юзасидан лашкар *чаповулини* улардан узоқлаштирди. Қишлоқ *оқсоқоллари* ва *бийлари* кўлига иноятномалар бериб, лашкарни қишлоқлардан чақириб олди. Лашкарни Кировчи сари юбориб, Кировчи қалъаларини қамал қилишга буюрди. Шу вақтда ҳар бир дара ва тоғдан бу вилоят ҳудудига нусратасар лашкар кутилмаган балодек ёға бошлади. Қиёмат куни бошлагандек бўлди. Ваҳимадан Қурама эли бошдан оёқ келиб, тортиқ ва ҳадяларини сарой остонасига тўқардилар ва олий иноят хатини олиб, // 27^а ўзларини лашкар зулми ва отлар туёғи зарбидан қутқарардилар. Халос бўлганлар амири далир дуоси билан машғул бўлдилар. Кўшин Кировчига бостириб кириб, унинг қамалида катта ғайрат кўрсатди. Амир ҳам Кориздан кўчиб, Кировчи устига келиб тушди.

Назм:

Зи кўҳи баландпоя ва шерони нар,
Фирузон ба даст найза ва теғу табар.
Бидиданд чунин ҳашмати шоҳро,
Ба маҳкумаш ҳама шаҳр бастанд камар.

Қураманинг барча *бийлари* ва *оқсоқолларини* Кировчи устида йиғиб, уларни ҳар бирини ўз тобе жойларида қил-қуйруққа буюрди. Улар кетишга рухсат олиб, ўзларига мулозим беришни илтимос қилдилар. Амир уларнинг илтимосларини қабул қилиб мулозимлар берди. Кейин амир шимолга, Кировчи дарвозасининг олдинги жойидан бир ўқ отиш масофасигача яқинроқ келиб тушишни буюрди. Қўниш вақтида тез, хатто отдан тушмасдан амирнинг тоғаси Ирисқулибек чошиб бориб, найзасини дарвозанинг ёнида бўлган *жибахонанинг* тиркаши (ўқотар) тешигига тикиб барқарор турди. Бундай паҳлавонликни Жумабой Қайтоқи кўриб, у ҳам ор-номуси келиб, найзасини кўлга олиб, от суриб *жибахонанинг* бу тарафидаги тиркаши тешигига тикди ва у ҳам мустаҳкам тик турди. Дарвозанинг икки тарафидаги тўпхонасидан тўп ва тўфанг ўқи бу иккала ботир *саркардаларнинг* бошларига ёмғирдек ёғарди. Ул икки нафар шерюрак диловар жонларини хавфга солиб, ор-номусдан қўрқмасдан турдилар.

Қалъа ичидагилар бу икки шер юракли *саркардани* кўриб, мушоҳада қилиб, ҳайрат бармоқларини тафаккур тишлари билан тишлардилар ва бу икки сардорларнинг ботирликларига таслим бошларини эгиб офарин дердилар.

Бу ажойиб воқеани амир қулоғига етказдилар. Ҳар иккала диловар номдорлар дарвоза панасидаги жойдан тиру тўфанга қарши қалқондек туриб, найзалари учини тўпхона тешикларига тикиб, мустаҳкам турардилар. Бу ажаб воқеадан амир хабардор бўлиб, ўз саропардасидан ул иккала дарёдилни мушоҳада қиларди. Дарҳол киши юбориб номус дарёсининг тимсоҳлари ва душман маъракаси безакларини қайтармоқчи бўлди. Улар бир-бирларининг номуси деб, найзалари учини тўпхона тешикларига тикиб, ундан олмасдилар. Буни ишбилармон амир кўрдик, ҳар иккала арслон номус шери қўлига асир тушганлар. Мулозим юбориб уларга дедик, бу вақт маслаҳат вақтидир. Сизларга ўхшаган кордон ва маслаҳатчи одамларга //27^b шундай бир олишув ва жон олиб, жон бермоқ вақтида вужудингизга бирор-бир ҳодиса ёки кор-ҳол бўлса, фақат шоҳона корхонамизга эмас, балки Фарғона мулкида ҳам зарар тегади. Сизлардан содир бўлган бундай иш мулуки Ажам давридаги паҳлавонлар Сухробу Барзу ва Исфандиёрда ҳам содир бўлмаган эди. Найзаларингни суғуриб олиб чекининг ва отларингни орқага буриб, келинглар!

Амири кордон амрига мувофиқ ул иккала жонсипор аста-секин отларини орқага буриб, секинлик билан қадам босардилар. Қалъа тешикларидан камон ўқлари қанот чиқариб, шу иккала диловар бошидан учиб ўтар эди. Ҳофизул-атлоқ бўлган Аллоҳ уларни ҳимоясига олиб, муҳофизат совутини уларга кийдиргандек уларни ҳифз қилар эди. Шу йўсинда улар қалъа олдидаги маърака саҳнасини тарк этиб, кўкка етадиган олий саройга соғ-саломат кириб келдилар ва фалакка кўтарилган даргоҳ остонасини ўпишга мувофиқ бўлдилар.

Назири йўқ амир шу икки нафар далир *саркардаларнинг* ботирликлари ҳақида сўзлаб турганида, (қахрамонлик) маъракасининг иккала ҳунарманди душман билагини буклаганлар сарой эшигидан кириб, ғуломларга хос тарзда бош эгиб, тавозе ва таъзим билан келиб тиз чўкдилар. Ҳашамат эгаси ва карам маъдани бўлган амир шафқат ва карам кўрсатиб, султонлик таважжуҳи ва хоконлик кўнгли билан уларни ҳузурига талаб қилиб, тахти яқинига ўтказди. Давлатнинг пояси бўлган бу иккисига панд ва насиҳат оғоз этиб, деди: Эй давлатнинг тоғаси! Сизлардан воқе бўлган иш Каюмарс замонидан бугунги кунгача бирор-бир шермард ёки *саркарда* томонидан содир бўлмаган эди. Бироқ, бу бизнинг Дашти қипчоқ этагини босиб олиш учун қилинган биринчи сафаримиздир. Каёний подшоҳлар бу даштда номус ва тождорликни қўлдан бой берганлар. Давлат устунларига давлат соҳиби билан барча ишларда маслаҳат қилмоғи лозим. Маслаҳат доирасидан ташқарига қадам қўйиш фармонни бажариш ва итоаткорлик қондасидан узоқдир. Шундай дилпазир сўзлар ул икки нафар довюррак қулоғига тўкилди.

Назм:

Далирони пурхош дар рўзи жанг,
Зи жон бигзаранд баҳри номусу нанг.
Кунад жонбоз жонбози ба жон,
Ба жон бахшияш кай кунад шах диранг.
Ва дар баҳри бахшойиш макрамати султон ғарқ,
Ва бар тўфон мултафити хоқони мустағрак.

Ул икки нафар жанг маъракасининг тимсоҳлари ва сарой мажлисида чордана ўтирган *сардорлар* амир хизматидан бошлари осмонга етиб, кетишга рухсат олдилар. Ўз кўшларига қайтиб тинчландилар.

Шу кечаси эрталабгача ерларга қозиклар қоқиб, //28^a уларнинг устида, қалъанинг атрофида тўрт бурчак қилиб (Бухородаги) Қизил Арслон минорасидан ҳам баланд қилиб саҳн курдилар. Уларнинг устига чиқиб тўп, жазоир ва тўфанлардан ота бошладилар. Қалъани ютишга қодир бўлган амирий тўпларнинг ҳайбатидан, тўп ўқи оловининг овозидан қалъа ичида қуршовда қолганларнинг ўтлари эрирди. Жазоир, ёй ва тўфанг ўқлари ва оташи зарбидан аҳли қалъанинг юрак ва буйракларига тол баргидек титроқ тушди. Ҳомиладор аёллар ваҳима касратидан болаларини тушириб қўйдилар. Қалъа аҳли шуни тушуниб етдиларки, ўлим ёмғири осмондан ёғиб, ажал булоғи ердан қайнаб чиқмоқда. Тирик қолиш фурсати чумоли кўзидан ҳам торроқ ва бераҳм ўқдан ҳам тезроқ етиб келмоқда. Улар маслаҳатлашиб, омонлик сўрашга қарор қилдилар. Омонлик сўраб улар қалъанинг дарвозаларини нусратпаноҳ лашкарига очдилар. Шафқат ойинли амир барча қамалдагилар кўнгилларини кўтариб, кетишларига рухсат берди. Сўнгра катта давлат ва шухрат билан Кировчи аркига кириб, қарор топдилар. Шундан кейин ўн икки минг жасур аскарларни Тошканд тарафига у ерларни босиб, талон-тарож қилиш учун юбордилар. *Чановул* кўшин қайтиб келгунга қадар, Қурама

ва унинг тобе ерлар ишларини саранжом ва саришта қилиб, бу вилоят аҳлининг қўзғалишига сабаб бўлган норасмий бидъатларни йўқ қилдилар. Бир назири йўқ ва тадбиркор *саркардани* бу вилоятга волий этиб тайинладилар.

Тўрт-беш кунда зафарасар лашкар ва сафари бехатар аскар қиёмат куни оловини чўлдаги сахрой қозоқлар бошларида ёқиб, Тошканднинг эшигу дарвозасидан бошлаб, то Чимкент қалъасининг дарвозасигача бўлган элнинг барча чорвалари, яъни туя, қўй, от, сигирларини далалардан бутунлай йиғиб олдилар. Ниёзбек³⁰⁶² қалъасини ҳам ўз тасарруфларига киритиб, нусрат ва зафар билан осмонга тахти етадиган жаҳонгир амир хизматиغا етиб келдилар. Мўминбек деганни беш юз адад *мерган* билан Ниёзбек чегарасига юбориб, лутф тариқасида унга “Эй тоғойи! Тоғалик номини беномуслик ерига туширманг! Тождор бошимизни сен учун курбон қиламиз! Кировчи ҳокимини санинг итоатингга бердик. Санинг сўзларингдан заррача четга чиқмайди. Кунда бўладиган воқеаларни чегара йўли ва Чодак орқали бизга етказиб турасан. Агарда метин иродали Фаттоҳ мадад берса, йигирма кундан сўнг қайтиб келамиз”, деб айтди. Унга қимматбаҳо тўн ҳадя қилиб, беш юз нафар *мерган* билан кетишига рухсат берди. Чаповул уриб Тошканд атрофидан олиб келинган ўлжа ва ғаниматларни давлату бахт ёр амир, Кировчи ҳокими ва Ниёзбек, Тўйтепа³⁰⁶³ қалъасидагиларга бериб, қолганини барча йигитларга бўлиб берди. Амирнинг ўзи анжом ва саранжомлик ҳамда тўла ғалаба билан қайтиб, тез кунларда амирлик пойтахтига келиб тушди.

Отларга яхшилаб қарашни қўшин аҳлига қаттиқ тайинлаб, // 28^b “ваъдага мувофиқ Тошканд сари қўшин тортиб, юриш қиламиз” дея қўшин *саркардаларига* жавоб берди.

Йигирма кундан сўнг, ваъдага мувофиқ вилоятларга мулозим юбориб уларга йиғилишларини буюрди. Тез орада ён-атрофлардан лашкарлар келиб салтанат пойтахтида жам бўлдилар. Барча аскария йиғилгач, соҳибқиронлик анжом ва мулк олиш саранжомлиги билан амирлик пойтахтидан бахтли соат ва қулай вақтда катта салтанат ва кўп ҳашамат билан чиқиб, Арзик тепага келиб тушдилар. Эртаси бу ердан кўчиб, Оқжар йўлига тушиб, Оқжарга кўндилар. Бу ердан Қурама ва унинг ён-атрофидаги тобе ҳудудларига мулозим юбориб, келган гуруҳ-гуруҳ, даста-даста қўшинни Тошканд устига юбордилар. Ишга лойиқ катта қўшин бирин-кетин жамланди. Олдин йўлга чиққан қўшин кетидан шуқуҳли (Олим) хон саноксиз қўшин билан таваққуф этмай, тез суръат ила юриб, эртаси Қамиш кўрғонга келиб тушди. Эртаси Самғарга келди. Эртаси *куни пешқадам* юриб, Булок ёнида тушди. Шу кундан бошлаб Қурама *волийси*, вилоят аъёнлари, *бий* ва *оқсоқоллар*, барча амалдорлар тортиқ ва ҳадялар билан келиб, хон истиқболига чиқдилар. Кейин яна қайтишга рухсат олиб кетардилар. Мазкур куни Ён булокдан эртаси билан кўтарилиб, қуёш тик турган пайти Коризга келиб қўниш ноғорасини чалдилар. Эртаси тун ёришганда тўп отиб, Кировчи устига келганини билдирди. Икки кун шу ерда истиқомат қилиб, *айру* қилди ва учинчи куни жанг ва ҳарб асбобларини шайлаб, Қурама қўшини ва *қил қуйруқини* олиб, Кировчидан кўчди ва Тўйтепага келиб кўнди.

Амир тўпларининг овози ва фарҳангли, нусратли хоннинг келиб тушиш хабарини эшитган тошкандликларнинг юзларидаги ранглари қочди, овқат уларнинг томоқларидан ўтмай қолди, луқмаларини ютишда ожиз ва ночиз бўлишди. Ваҳима кўплигидан тол барглари каби титраб, молу ашёларини кўмиш ва яширишга киришдилар. Бир тарафдан шаҳарнинг *оқсоқоллари* ва *оголиқлари*, *арбоблари* фуқарони қалъа атрофига ҳайдаб чиқарардилар. Анжомсизлик ва саранжомсизликдан шаҳар ичкарасида қиёмат қойим бўлганга ўхшади. Кўрқув ва ваҳиманинг кўплигидан одамларда юришга ва сўзлашга ҳам мажол қолмади. Ҳамма донг қотиб, нима қилишини билмай, ҳайрон ва саргардон бўлиб қолдилар. Иккинчи тарафдан шаҳар аҳволини очлик танг қилди. Ҳатто, кушхоналардан қон ҳам топиб еб бўлмасди. Болалар кўчаларда нон-нон, деб жон берардилар. Шаҳарнинг катта ва кичиги дод-фарёд кўтариб, ёриқ оламни қоронғу тунга айлантдилар.

Бу воқеаларни // 29^a амири равшанзамир, ул мулк олувчи хони далир эшитиб, эртаси тонгда тўплардан отиб хабар бериб, Тўйтепадан кўчди ва Чирчиқ сувидан ўтиб, Қўйлуқда тўп отиб кўнди. (Олимхон) Мўминбекни Ниёзбек қалъасида қўйиб кетганида у тошкандликлар аҳволини жуда танг қилиб қўйган эди. Очлик қаттиқлигидан одамлар сўйилган қўйлар қонини ичардилар. Тошканд аҳлининг танг аҳволи шу даражага етган эдики, улар болаларини битта нонга ҳам бериб юборардилар. Амир вилоят аҳволини шу ҳолатда кўриб, эртаси тожиклар ва бекбаччалар қўшинини Тошканд қамалига маъмур этиб юборди ва ўзи орқаларидан бир мил узоқликда туриб, отга миниб борарди. Тошканд сахроси қиёмат майдонига ўхшаб кетди. Зафарни касб этган хуршид ва қуёш ёғдули султон лашкарини отлари туёқларининг чангидан самодагиларнинг кўзлари тун ва куннинг

³⁰⁶² Ниёзбек қалъаси – Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида барпо этилган Қўқоннинг истехкоми. 1865 йили рус аскарлари томонидан бузиб ташлаган.

³⁰⁶³ Тўйтепа – Тошканд шаҳридан тўрт фарсахда жойлашган жой.

фарқига боролмай қўйдилар. Ўша зулмат саҳросида қиёмат сарнавишти андийларнинг ҳар бирини ва қозоқиянинг ҳар бир кимсасини нусратли қўшин аскарларининг қўлига гирифтор қилганида улар ўзларини азоб берувчи фаришта, буларни эса хароб аҳлига айлантирарди. Шу диёр аҳли назарида чўл чумоли кўзидан ҳам тангроқ ва бахил гўридан ҳам қоронғироқ кўринар эди. Ҳайбатли амир ва сипоҳдор султон шон ва шавкат билан Солор анҳори лабига келиб ташриф буюрди. Дарҳол тўхтамасдан тожиклар ва бекбаччаларни қамал қилиш учун шаҳарнинг жануб дарвозалари орқали юбориб, қолган *саркардаларни* шаҳар тарафидан сафарбар этди. Ўзи хайма ва чодар уриб, даргоҳ саропардасини барпо қилди. *Гала баҳодирлар* ва *махрамлар*, *ходим* ва ҳашаами билан ўша кеча ором ётиб, барқарор ва ором турди. Ўша кун ва тунда эрталабгача оташкўб ўқ ва тўп нидоси, амирий жазоирлар, ёй ва тўфанг, калта милтиқларнинг садоси, барча жанг асбобларининг овози кўк чарх ва ағдарилган гунбазгача кўтарилди. Шу кеча ҳомиладор аёллар кўрқув ва ваҳима кўплигидан ҳомидаларидан айрилдилар.

Эртасига куёш байроғи осмон саҳнида пайдо бўлиб, нур таратганида давлат саропардасининг хоқони, салтанат чодирининг хоқони ўзининг хайма ва хиргоҳидан мунаввар хуршид каби бу ложувардий сипеҳр саҳнида зулматни забт этиш учун туғ кўтариб, нусрат яловини барпо қилди ва мулк тасхири учун мамлакатларни босиб олиш қиличини белига мустаҳкам бойлади ва зафар туёкли уловга минди. Филдек ёшлар ва шердил аскарлар, сара *галабаҳодирлар* Нил дарёси ва бало тўфонидек, қазойи осмонга ўхшаб бу вилоятга тўкилдилар.

Амир катта асъаса ва дабдаба билан Тошканд қалъасига //29^b бориб, қўшин сафларини тартибга солмоқчи бўлди. Шаҳардан бир соатлик масофада туриб, барча *саркардалар* ва *тўпчибошиларга* сарпо, харажатлари учун маблағ бериб, қайта ўз чодирини ва хаймасига давлат ва иззат билан кириб қарор топди.

Назм:

Шаҳеро агар давлату бахт ёр,
Шавад нусрату фатҳ гардад дучор.
Занад хайма бар боми давлат баланд,
Шавад сақфи он бар сипеҳр устувор.
Агар хиргаҳ ба тори мулки адў,
Занад тиғи нусрат шавад фатҳ ёр.
Шаҳ бахшанда гардад шавад мулкгир,
Касе сад дихад гирад ў сад ҳазор.

Ўша куни давлат қўшида ором ва масрур ётиб, эртаси куни тожиклар ва бекбаччаларнинг номдор *саркардаларига* хабар юбордики, анжом-асбобларини саранжом қилиб, тўғирласинлар ва йигитларига ўз чимли тўғаноқларида барқарор ва мустаҳкам мунтазир туришларини буюрсинлар. Аждар гавдали шаҳарни ютиб оладиган тўп овозини эшитишлари билан белу кетмон, болта ва шашпарларни қўлга олиб, бирдан шаҳар қалъасига ёпишсинлар. Шу пайт ўра қазувчилар, белкуракчи ва филтан гўрковлар амирга хабар бердиларки, лаҳим қазувчилар дашт сичқонларига ўхшаб қалъа тарафига тешиқ қовлаганлар. Яқинда қалъага солинган рахна ниҳоли илдиз солади ва қалъадагиларнинг ҳаётини кўкка совуради. Лаҳим қовлаш энди яқун топмоқда, ичи нафт ва дору билан тўлдирилди. Бу жонсупор ва фармонбардор ғуломларингиз жон бериш умидида, хизматкорлик ва итоаткорлик билан амри олий фармойишига кўз тутиб турибмиз. Сиз шаҳриёрга хизмат қилиш камарини қахрамонлик таъби белига боғлаб, хизматга мунтазир, амри олийга мувофиқ ва шай турибмиз. Олий ҳимматли ва сурайё мартабали амир бу зафар беҳжатли хабарни эшитиши билан, дарров нусрат қинли шамширни белига боғлаб, фатҳ жиловли от устига сакраб минди. Шаҳриёрнинг барча посбонлари ва жумла давлатхоҳлари мукамал ва мусаллаҳ дастёрлик юзасидан ўз отларига миндилар.

Солор амир виқорли тоғ каби секингина тожикларнинг жабҳаларига бориб, етиб келиши хабарини барчага маълум қилди ва лаҳимдаги дориларни ёқиб юборишга буйруқ берди. Белчилар ва лаҳим қазувчилар ўт беришлари билан, бошқа тарафдан тўплар ҳам бир вақтда қалъа тарафига ўқ ота бошладилар. Қалъа тупроғи тутун билан аралашиб, чангу ғубори ҳавога кўтарилиб, тарқалиб кетди. Тунни кундан фарқи қолмади. Барча ўзбек, //30^a тожик, сартия ва бекбаччалар кўрқувли катта шўр ва ғовғани кумушрангли фалак авжига кўтариб, самандарга ўхшаб ўзларини тутун ва оташга урганча шаҳар ичига югурдилар. Тожиклар ва бекбаччалар Тошканд кўчаларида амирий катта тўфанглардан ўқ отиб, кўркмасдан ва хотиржамлик билан шаҳар арки томон юрдилар. *Саркардалар* шаҳарнинг ҳар тарафидан босиб кириб, сўйиш ва савашга кўшиш қилиб, вилоят ғоратига киришдилар.

Тошканд волийси бўлган Юнусхўжа вилоят қўлдан кетганини билиб, беш-олти нафар яқин давлатхоҳлари билан шаҳардан чиқиб Бухоро йўлига кириб кетди. Бу хабарни мансур ва шафқат мансур амирга етказдилар. Амир хотирига келтирдик, агарда бу одам ўзини Худо берган давлатимиз бағрига ташлаб, бизнинг ҳақимизга эзгу ниятда бўлиб, биродарликни ўртага ташлаб аҳд ва садоқат, дўстлик ва рафоқатни маҳкам барпо қилганида, уни муҳаббат ва биродарлик шафқати билан бошини кўкка кўтарардим. Биринчидан у сулҳ талабида элчи юбориши ва ўртада сулҳ тузиши лозим эди. Ёки Аллоҳ белгилаган тақдирга тан бериб, ўз ватанида турганида яхши натижага эришарди. Энди қайси мамлакатга борса бандалик ва бош хам бўлиб ул вилоят ҳокимларига тобе тарзда кун кўради. Яхши оқибат ва соҳиб давлатлик жуда маҳол ишдир. Қочиш таваккул доирасидан ташқаридир. **Назм:**

Бо Худо додагон ситеза макун,
Худододагонро Худо дода аст.
Ҳар киро дод Ў накарда ғалат,
Ин надонад ҳар ончи худо дода даст.

Амир ўшал куни қалъанинг ташқарисида бекбаччалар, давлат устунлари ва салтанат аъёнлари билан форифбол қолиб, кечаси шаҳар ичига тожикларни юборди. Эртаси жаҳонбонлик дабдабаси ва мулк олиш асъасаси билан Тошканд дорул-аморатига кириб кўнди.

Назм:

Шаҳе ўро ки ў ҳаст молики мулк,
Дихад бар ҳар ки ҳаст “туъти ал-мулк”³⁰⁶⁴.
Касеро ҳад не аз доду гирифташ,
Шаҳаншоҳе, ки бошад “танзиъ ал-мулк”.

Ул вилоятнинг аъён ва улуғлари, ашрофларию катталарини олиб чиқиб, Оқ уй салтанат қасрида барча қозоқларнинг *бий*ларига сиёсат қилиб, адабларини беришди. Уларнинг ҳар бирини олдинги расм бўйича ўз қабилагарига *бий* этиб тайинлаб, юборди.

Амир (Олимхон) бир ой давомида шу ерда истиқомат қилиб, Лашкар *девонбегини* шу вилоят ҳукумати билан сарафроз этди. Ўзи катта нусрат ва кўз кўрмаган фатҳу зафар ва ғолиб ҳамроҳлари ила дорул-аморат бўлмиш Хўқандга келиб кўнди.

Бир йил ўтгандан кейин (Олимхон) ўйладики, Фарғона ва юзия мулки, // 30^б Тошканд бошдан-оёқ, қозоқ ва андия ерлари билан бутунлай мусаххар бўлди. Бухоро амири ҳам тинчлик доирасидан чиқмай, биродарлик йўлини ва ошночилик тарҳини тузиб, иттифоқ ва ҳамжиҳатлик, бардамликни ўртага солган. Кўхистон³⁰⁶⁵ шоҳлари Кашмир этагидан то Панж тоғларининг адирларигача менга тобе бўлиб, муҳаббат ва дўстлик ноғорасини чалиб, садосини кўк гумбаз шифтига етказмоқдалар. Қошғарнинг етти волийси ота-боболари давридан ҳозиргача Чин ва Мочин хоқонлари хизматида камарбаста бўлиб келганлар. Шу итоат ва фармонбардорликни мулоҳаза қилмай, кўз олдиларига келтирмай манга фармонбардорлик бошларини эгдилар ва адаб қўлларини кўкракларига қўйиб тавозе қилиб, қахрамонлик чегарасидан бир зарра чиқмай хизмат қилмоқдалар. Андижон(ликлар) шу етти шаҳар (Еттишаҳар) ҳукуматини фалакка боши етадиган амир тасарруфига киритганлар. Бундан ташқари ҳар йили дорул-аморатнинг бошқа гуруҳлари ва дорус-салтанатнинг бошқа амирлари каторида ўлка ҳосилларидан тухфа ва ҳадяларни тортиқ сифатида ўзларининг ишончли улуғлари орқали элчилик тариқасида юборадилар, аҳволимизни сўрайдилар.

Бу ён-атрофларда адоват ва муҳолифат фақат худбин ва пур кина душманлик русия жамоаси билан қолган. Энди бу нобакор гуруҳга қарши ғазот ва жиҳодни ўзимизга лозим деб билиб, насоро билан адоват ва муҳолифатни бошлаймиз.

(Хон) кеча ва кундуз шу буюк мулоҳаза ва улуғ андишани кинасиз ва сафопеша юрагида тугиб юрар эди. У нурли хотири ва сафо тарқалувчи фикрини “ишларингизда бир-бирингиз билан маслаҳатлашинг”³⁰⁶⁶ деган оятнинг йўл кўрсатиши билан давлат устунлари ва салтанат аъёнлари ўрталарига маслаҳат учун ташлади. Қараса, бу фикр барча амирлар ва оқилларга писанд келди ва улар бу маслаҳатни амалга ошириш учун ризолик бердилар.

Дарҳол уч юзта тоғ гавдали, маст туяларни хоқонлик туяхоналаридан муҳайё қилиб, юклатиб майманат осорли амир назарига мансур этдилар. Амир ишончли хизматкорлардан бир неча нафарини, *туякаш* ва *йўлбошчи сорбон*лар билан Тошкандга юборди. Атроф ва теваракларга мулозимларни юбориб қўшин йиғишга киришди. Тез муддатда қўшин дорул-аморатга йиғилди. Ул шахнишиннинг соҳиби, ул салтанатнинг сармояси, баландпояли тахтда чордона ўтирган, сармояли

³⁰⁶⁴ «Сен истаган кишинга мулк ато қилурсан», Қуръони карим, 3:22.

³⁰⁶⁵ Кўхистон – Бу ерда Кўхистон бугунги Тожикистоннинг шимолида жойлашган тоғлар (Қоратегин, Фарм ва Давроз худудлари).

³⁰⁶⁶ Қуръони карим, 3:159.

гулбанднинг гули, хонлар нигинининг сермоя гавҳари, султонлик зарб ва хоқонлик зийнати билан туғ ва байроқ, аскар ва санчиқлари билан қарор топган қасридан хуруж қилиб, қиш фаслида, далв ойининг ўрталарида Тошканд сари равона бўлди. Бунинг сабаби шу эдики, урус йўлида айни шу фаслда туяларда // 31^a юк ташиб, савдогарлик қилса бўлади, бўлмаса йўқ.

Йўлларни босиб ўтгандан сўнг ўн кун деганда Шош шаҳрига етиб келиб, ташриф буюрди. Қўшин келиб тушганидан сўнг ҳаво янада совуб кетди.

Назм:

Эй ту мағў ҳар чи тавон мешавад,
Ҳар чи Худо хост ҳамон мешавад.
Ғарра машав бар ғарази худ марав,
Он чи дилат хост на он мешавад.
Тақя бар ин ҳашмату ваҳме макун,
Ҳамчу гул аз бод хазон мешавад.
Ҳиммати худ бар ғарази дил мабанд,
Ҳифзи ғараз офати жон мешавад.

Ҳавонинг қаттиқ совуқлигидан қўшиннинг ҳолати ўзгариб, жуда танглик юзага келди. Бирок, қўшиннинг оғир аҳволига қарамай улар Дашти қипчоқ тарафига, Чимкент ва Сайрам³⁰⁶⁷ қамали учун борди. Қўшин икки кун ичида Чимкент устига келди ва унинг қалъаси устига ёмғирдек ёғди. Қалъа атрофини тожиклар ва бекбаччалар ҳалқадек ўраб олдилар. Чорпоялар қуриб уларнинг устига жазоир (тўп)ларни қўйиб ота бошладилар. Ўқ осмондан тушган балодек тўплардан андийлар бошга тўкилди. Атроф-тевараклар, яъни Туркистон³⁰⁶⁸ чегарасидан то Авлиё ота ҳудудларигача *чаповул* уриб, оч қолган чўл бўрисидек, бутун Дашти қипчоқни босиб олдилар. Бу кенг даштни қозоқлар ва андийлар кўзларига чумоли кўзидан ҳам торроқ ва гўрдан ҳам тангроқ қилиб қўйдилар. Тожиклар ва бекбаччалар Чимкент қалъасининг қамали билан машғул бўлдилар. Ҳаво совуқлиги шиддатидан ҳарб асбоб ва олотларини, бел ва кетмонни ушлашга, тўфанг ва тўп отишга қўл бормасди. Йигирма кун давомида шундай оғир аҳвол билан қалъанинг ичкари ва ташқарисидаги халқ ҳамда шу чўлнинг ҳудудларини қишдан-да қуруқ ва қабристондан ҳам хароброқ ҳолатга келтирдилар. Дашти қипчоқнинг дашту саҳроси дўзах саҳроси ва чўлидек муз ва қор билан қопланди. Шундай совуқ ва музлашга қарамай шердек аскарлар ва ўқдек учар *чаповул*лар қозоқия элини ул чўлда қидириб, қўлга олиб қўл-оёқсиз қилдилар. Чўл ғўллари ва саҳро андийлари назарида дашту адир фазоси дўзах саҳросидек кўринаётган бир чоғда Аллоҳнинг раҳми ҳаракатга келди ва бирдан олам ўзгариб, замона акси бўлди. Амирдан бахт юз ўгириб, давлат кетди. Элчи етиб келиб қўшин қайтиши ҳақида лашкарга хабар берди.

Назм:

Макун тақя бар давлати тези худ,
Равад аз сарви паҳлўят тақя зуд.
// 32^a Фитад ин тани пурлатофат ба хок,
Шавад гум ҳам овози ной ва суруд.
Гирифтанд онҳо ҳама барру баҳр,
Ба жуз ҳасрату оҳ охир бурдан ба худ.
Ғуборат ҳавогир то кай бувад,
Ҳаво кай бимонад туро дар намуд.
Ҳама дар ҳаво пўязан чун ғубор,
Шавад жабҳааш оқибат хоки суд.
Ҳар он шаҳ буд халқро сахтгир,
Бигиранд аз дасти он сахт зуд.
Ҳар он мулқро шаҳ ба азме гирифт,
На бинад аз он мулқ шаҳ ғайри суд.
Шаҳи бо мувосо ба халқ карамрав аст,
Чу хуршиди тобанда бошад намуд.
Ниёзий, агар шаҳ бувад нармхўй,
Амон бахшад аз сахти онро вадуд.

³⁰⁶⁷ Сайрам – Қозоғистоннинг жанубидаги қадимий Исфижоб шаҳри.

³⁰⁶⁸ Туркистон – қадимги Ясси. Сирдарё қўйи оқимидаги шаҳар. Истеҳком ва қалъа бўлган.

Шул вақтда аксар қўшин ҳаво совуқлигидан қўл-оёқларини бой бериб, қўл-оёқсиз бўлиб қолдилар. Тожиклар ва бекбаччаларнинг кўнгиллари Дашти қипчоқнинг хавосидек бахти қайтган амирдан совуб, қайтдилар. Ислом дини ва Мустафо шариатида Аллоҳ амри ва пайғамбар фармойишлари банданинг тоқатига мос бўлиши лозим. Расулаллоҳ суннатида ҳам шундай қоида ва талаблар мавжуд. Бандага содир бўлган ҳар бир амр ва фармойиш унга оғир бўлмаслиги лозим.

(Қўшиндагилар) “Бу қандай зулми, қишнинг совуқ палласида шу қор ва муз чўлида бизни сарсон ва саргардон, совуққа асир қилди”, деб шундай сўзларни тилларига келтирардилар. Охири *чаповулга* кетганлар бир-икки кундан, кейин етиб келишлари билан Чимкент ва Сайрамдан кўчиб, шошмасдан Шош сари йўлга чиқдилар.

Энди бахти қайтган ва тахти ағдарилган амир ҳақидаги маълумотни келтириш баёнига ўтаман.

Равшан замир амир қўшини Дашти қипчоқ сари кетганидан сўнг Ирисқулибек, Мўминбек ва (Жумабой) Қайтоқий ва бошқалар маслаҳатни бир жойга қўйиб, Умархон олдига келдилар ва унга арз қилдиларки, вақт ғаниматдир; қўшин Дашти қипчоқда қор остида қолиб, совуқ ва музга гирифтор бўлган. Хўқандга кетишимиз лозим. Ул вилоят халқи билан иттифоқ тузиб, барчамиз бир ёқадан бош чиқарамиз ва сани амирлик тахтига ўтказамиз. Жонидан безор бўлган қўшинга хабар берамиз. Улар ҳам бу маънони қабул қилиб, сенинг фармонингга итоат қиладилар. Умархон дилига бу “васвоси ханнос фи судури нос”³⁰⁶⁹ дек таъсир қилди. (Умархон) ярим кечаси минг нафар одамга яқин мукамал ва қуролланган одамлари билан Тошканддан чиқиб // 32^a Хўқанд тарафига равона бўлди. Айғоқчилар амирга “Умарбек кўрнамак ва ҳаромнамак *саркардалар* ҳамда тоға ва амакилари билан Хўқандга қочиб кетди”, деб хабар бердилар.

Амир (Олимхон) бу хабарни эшитиб, аждарга ўхшаб ҳайкириб, “йиллар давомида мен тожикларни йиғиб, Фарғонанинг теварак-атрофидаги душманларини йўқ йилдим. Бироқ, бу мамлакат салтанатининг пояси ҳали мустаҳкам ва барқарор эмас. Беш-олтита бангий хаёлий ўзбеклар ва бўзахўр ханграшган эшаклар энг заиф бўлган инсон Умарбекни йўлдан уриб, Хўқандга олиб кетибдилар. Ўзбекия халқи ва бўйинлари йўғон сартияни шўру ғавғога солиб, ёмонликни уларнинг бўйинларига юклаб, вилоят бошқаруви номусини оқибат қўлдан бой бердилар. Бу мулкни душманлар отлари туёғи остига қолдириб, энди ёвнинг оёғи остига қолдирмоқчилар”, деб айтди. Кейин жойидан туриб, катта ўғли Шохруххон ётган жойга бориб уни истироҳат ва осойиш ётоғида роҳатланиб ухлаётганини кўрди. Умархон қўшига одам юбориб уни қочиб кетганини билди. Сўнгра Шохруххон бошини бағрига босиб, юзидан ўпиб: “Эй жони падар! Бу хавfli ишни сендан бўлади деб гумон қилардим. Сани ўз ҳолингга қўймасдим. Доим азоб ва уқубатда ушлаб, ҳаётингни *сарбозлар* либосидек торайтирдим. Бу қандай шафқат эдики, санга раво кўрдим? Ҳамма шафқат ва марҳаматини ўша занги суратли ва ҳез сийратлидан дариф тутмадим. Бу қандай иш, қандай савдо?! Қилмишни қилдим, энди кўраяпман. Барча ишнинг якуни бор: “Барча жонзот ўлимга маҳкумдир”³⁰⁷⁰ ва нафси бор нарса ўлажак. Шохнинг ҳам, гадонинг ҳам бу амрдан чораси йўқ. Валекин бир ғунча гул очилмасдан, бир наргис бу гулистонда гулламасдан узилиб кетдим-а!” дея, ота ва ўғил бир-бирларини бағрларига босдилар. Келаётган мусибатни ҳис этиб, жонни куйдирувчи нолаи зорни бошладилар. Нимбисмил қилиб сўйилган одамлар овозидан бағритош одамлар ҳам симобдек беқарор ва ноором бўлдилар.

Бир замон ўтиб, Шохруххон отасидан: “Рухсат беринг, кўрнамак ва беандиша фасодчи, ёмонликни касб қилганлар орқаларидан бориб, уларнинг умрларини хазонга айлантирай”, деб сўради. Амир деди: “Эй отанинг ёруғ чироғи! Эй ота жигари жароҳатининг малҳами! Сансиз бу равшан олам мен учун қоронғидир. Ўз тақдиримиз ипини Аллоҳ таоло сарпанжасига бериб, қазога тан бериб, дилни ризога беришимиз шермардларнинг шевасидир”. // 32^b

Назм:

Ҳар чи зи қазо расад ба нўше,
Хоҳ бад бувад ва хоҳ некў.
Дар рўзи азал шуда баду нек,
Дидан бирасад ба сар з-ин ду.

Энди қўшинни тез қайтармоқ керак. Дарҳол қўшинни Чимкент ва Сайрам устидан чакириб олиб келдилар. Қўшин аҳволи оғир, ҳамма ўз-ўзи билан овора эди. Қўшинга икки кун дам бердилар, урус билан савдо ва элчилик учун мўлжалланган барча нарсалар ва молларни қўшинга тақсимлаб беришди. Аскарларга жар солиб деди: Эй аскарлар! Нима қилган бўлсам мусулмон халқи манфаати ва яхшилиги учун қилдим. Вилоят бошқаруви учун ғариб ва мусофирларни йиғиб, уларни оғир

³⁰⁶⁹ Қуръони карим, 114 сура оятларидан.

³⁰⁷⁰ Қуръони карим, 3:185.

ишларга ва муҳим лавозимларга қўйдим ва мулк ва ўлкаларни босиб олишни ўзимга касб ва ихтиёр этдим. Бу ишлардан мақсад Фарғона вилоятининг ободончилиги эди. Худога шукрим, ҳазрати Мифтоҳ ал-абвоб мадади-ла бу энг камтар бандасининг замонида Дашти қипчоқ фатҳ этилди ва Фарғона мулкига тобе бўлди. Мулк кенгайишига муяссар бўлинди. Буларнинг барчасига сабаб бу каминанинг қидируви, сабабларга Сабабчи бўлган (Аллоҳ) ҳамда ор-номусли тожикларнинг ўқ ва тўфангининг зарбидандир. Охир-оқибат бу мулкни беанжом ўзбеклар ва бесаранжом турклар бошқа вилоятдаги душман отларининг нағали остида ва элотия халқи уловларининг туёғи тагида оёқ-ости қиладилар.

Лашкар *қўшбеги*га васият тариқасида айтди: *Эй қўшбеги!* Икки кунлик бу бемаҳал дунёга алданиб қолма. Мани аҳволимни кўряпсан! Кўзларим нурини сенга топшираман. Агар қазойи қадар ва тақдири Илоҳий бизни ишимизга мадад берса бу ғунчадек фарзандимга раҳм этиб, бу ёш ниҳолга шафқат этгин, унинг ҳимоясида саъй-ҳаракат қилгин токи, сенинг марҳаматинг соясида у яшасин. Агарда унинг ҳимоясида ожиз бўлсанг ҳажга юбор. Энди Шоҳрухни сенга, сени эса Худога топшираман!

Шундай сўзлар билан Шоҳруххонни Лашкар (*қўшбеги*)га топшириб, Тошканддан чиқиб, уч маротаба йўлда тўхтаб, яна кўчиб, Тўйтепага етиб келиб қўнди.

Шу кечаси ўзбеклар лашкари ичида ғалва кўтарилди ва улар бахти қайтган амирдан бир-бирларига шикоят қила бошладилар. “Агарда тожиклар ва бекбаччалар амирдан юз ўғирсалар иш осонлик билан якун топарди, акс ҳолда ишимиз жуда қийин бўлади”, деган сўзлар ҳар бир қўшдан эшитиларди. Баъзилар шундай маслаҳатни ўртага ташладилар: шу кечаси // 33^а тожик ва бекбаччалар билан таниш ва яқинликлари бўлган йигитларни “сизлар тожиклар қўшини ичига кириб, уларнинг *тўпчибоши*ларига шикоят мазмунида сўз бошлаб, уларнинг ҳолидан хабардор бўлинглар. Агар улар ҳам сизлар каби амирдан шикоят қилсалар, сизлар ҳам уларга қўшилиб, амирни ташлаб кетиш ва уни тахтдан ағдариш учун тарғиб қилинглар. Қаранглар, улар нима қилар экан? Нима эшитсангиз келиб, бизларга етказиб туринг! Ўз ишимизни билиб қилмоғимиз лозим, бўлмаса қўлимиздан келмаган ишни қилмаганимиз яхши”, деб маслаҳат билан уларни тожиклар қўшини ичига юбордилар. Улар тожикларнинг бир қўшидан иккинчисига ўтиб, таниш *тўпчибоши*лар қўшларини топиб, ҳол-аҳвол сўраш баҳонасида кириб ўтирдилар. Йигитларнинг келиши билан ошначилик ва жўрабозлик мажлиси бошланиб кетди. Ҳол-аҳвол сўраш, дунё ишлари ва ҳар мавзудаги сўзлардан гапириб, охир-оқибат сўз амирнинг зулми ҳақида бошланди. Тожиклар амир устидан шикоятларини ҳаддан оширдилар. Шикоятлари шу ергача бордики, агар Умархон бир ҳафта кеч қолиб шу ишни қилганида тожиклар, бекбаччалар, аскарлар ҳаво совуқлигидан Дашти қипчоқда ҳалок бўлиб кетардилар. Амирнинг мақсади бизларни ҳалок этиш эди, қалъаларни олиш эмас. Буларнинг барчаси биз мусофирларга нисбатан амир ўз зулми шумлигини раво кўрганидандир. Ғариб ва мусофирларни хор қилганидан унинг бошига шундай балолар тушди. Унинг зулми шумлигидан аксар мусофирлар совуқда ҳалок бўлдилар, баъзилар қўл-оёқларидан ажралдилар. Устига-устак, у бизни Худо берган давлатдан маҳрум этди, “лақад карамно бани одама”, оят мазмунини дариғ тутди. Бизни хор қилди, ёмонликни бизга раво кўрди. Унинг бошига келган ишлар шу зулмлариандир. Кошки, бу зулм тезроқ йўқ бўлса эди. Биз ҳам қутилар эдик. Мажлис бошидан охиригача амир устидан шикоят билан якунланди. Оқибат йигитлар узр сўраб мажлисдан чиқиб кетдилар ва ўз қўшларига қайтиб келиб, тожикларни оғзи ва даҳанларидан эшитган сўзларнинг барисини бир-бир айтиб бердилар. Маълум бўлдики, тожиклар ҳам амирдан юз ўгирибдилар. Иккинчидан, буни билиб ҳар бир манзилда кечалари минглаб аскар амирни ташлаб // 33^б Хўқандга қочиб кетардилар.

Эртаси (Олимхон) Кировчига келиб, унинг ҳокимини талаб қилиб меҳрибончилик кўрсатмоқчи бўлди. Бироқ, амирга қалъа дарвозаларини ёпиб, тўп ва милтиқлар билан амирни ўққа тутдилар. Амир олам ўзгарганини билди, нима қилган бўлса Ҳақ таоло ризолигига қарши экан.

Назм:

Худо ҳар чи хоҳад ҳамон мешавад,

Дилам он чи хоҳад на он мешавад.

Касе, ки ба марзои дил кор кард,

Варо кор охир чунон мешавад.

(Мазмуни:

Худо нима хоҳласа ўша бўлади,

Кўнглим тилаги бўлмайди ҳеч вақт.

Ким қалби розилиги билан амал қилса,

Охири ўша иш бўлади, албат).

Шундан сўнг давлат устунларини жамлаб, отга минган ҳолатда маслаҳат сўради. Унга нисбатан самимий давлатхоҳ бўлган баъзилар Хўжанд вилоятига боришни маслаҳат бердилар. У ерда барча асбоб-анжом муҳайё, садоқатли давлатхоҳлардан бўлмиш Хонкули мирзо эса ҳоким. Агарда давлат жоловини Хўжанд тарафига буриб, дарёдан ўтиб Хўжандга кирсак кўрнамаклар кўрқиб Хўжандда қололмайдилар. Баъзи ичи қора кишилар эса “бу йўл узокдир, анча юришимиз керак бўлади. Бу орада Хўқанддагилар ўз ишларини тартибга ва анжомга етказадилар. Яқинроқ бўлган Кандир давони орқали вақтни бой бермасдан ўтиб, Хўқандга кутилмаганда етиб борсак, уларнинг ишлари бесаранжом ва қийин бўлиши аниқ”. Шундай ўт солувчи маслаҳатлар *саркарда* ва амирлар ўртасида пайдо бўлди. Охир-оқибат амири далир беихтиёр тақдирга тан бериб, Кандир довони орқали юришни ўзига лозим деб билди ва йўлга тушди. Унинг аҳволи Хўжа Ҳофиз алайҳир-рахманинг мана бу табаррук байтларига мос келарди: **Назм:**

Ризо бидода ба раҳ аз жабин гиреҳ бикшой,

Ки бар ману ту дари ихтиёр накшода аст.

(Мазмуни:

Юришга розилик бериб, пешонанг тиришмасин,

Сенга ва манга ихтиёр эшиги ёпикдир).

Шундай қилиб ўша куни Телав саҳросида тунаб, эртаси у ердан кўчиб доvon тагига келиб кўндилар. Эртаси куни тонгда садоқатли хос ва ихлосманд мулозимлари хон ҳарамии ва ҳарамсаройини доvonдан ўтказиш учун маъмур этиб, Кандир доvonига оёқ босишди. Суръат билан тоғдан ўтиб, Қизил кўприкка етиб келди. Қараса, чегара *мерган*лари тошлар билан йўлни ёпиб, баландликда туриб, Қизил кўприк йўлини тўсиб, олганлар. Амир кўшини билан бу аҳволни кўриб, шу тоғлик жойда ҳайрон тўхтаб қолдилар. Шу пайт давлатхоҳлардан бири Ботур *қўшбегининг* отаси Бойшум дегани ўз отига қамчи уриб, суръат билан олдинга юрмоқчи бўлди. Бир вақт харсангни тешадиган ўқ отилиб, кўкрагига тегди ва у отдан йиқилиб жон берди.

Амир буни кўриб, икки кўлини дуога кўтарди ва кўшиннинг намак ҳақини билгани ва садоқати ҳақиқа дуо қилиб, деди: “Эй туз ҳақини билганлар! Мендан сизларга нисбатан ёмонлик содир бўлган бўлса, мени маъзур тутингиз //34^а ва кечирингиз. Шунча султонлик ишларимда яхшилиқни умид қилган эдим. Энди мендан воз кечиб, ҳар ким ўзини қутқариш иши билан машғул бўлсин. Мен сизлардан розиман”. Шундай кўнгилни юмшатадиган сўзларни айтиб амир лашкарияга жавоб берди ва ўзи Қаро мазор йўлига тушиб, суръат билан равона бўлди. Қолган лашкар ўз холига овора бўлиб, тарқалиб кетди. Улар саҳродаги йўлтўсар ва чўлдаги қароқчиларга дуч келиб, асбоб-анжомларидан айрилиб, талон-тарож бўлдилар, баъзилари ўлдирилди. Шу тариқа лашкар пиёда ва бош-оёқ яланг ҳолда қора тун пайти Хўқандга кириб борди. Бахти қайтган амир, меҳнатдан толиққан далир ватан таллашиб суръат билан бораётганида “шаҳар яқинида шаҳидлик давлатига етсам бу муродим, шаҳар ичида ўлсам мақсадим”, дея ўйларди. Шу ниятлар билан ўзининг *меҳтари* Зухур *деvonбеги* ва яна уч нафар мулозими билан дарё кечувидан ўтиб, Девона чорбоғи йўли билан келарди. Шу чўлда отлари юришдан қолиб, толиққан ҳолда ерга йиқилдилар. Фақат Зухур *деvonбеги* йўлдош бўлиб, амир билан жонидан тўйиб келарди. Олтиқуш мавзеида етиб келганларида дарахтлар ичидан бир бадтийнат ҳароми, шумталъат бир ёмон тарбияли киши, девсифат бир нокас, ғўлистон жангалининг деви милтиқдан ўқ узиб, ҳалокат жарлигига ташлади, ажалнинг аччиқ шарбатини ичтириб, фирдавси жинон мажлисгоҳида ҳуру ғилмон билан бирга доимий ўтирадиган қилиб қўйди.

Мазкур *деvonбеги* бу аҳволни кўриб, дарҳол отига минди ва амирни ташлаб шаҳарга қараб от сурди. Бир илож қилиб дорул-аморатга кирди ва Умархон хузурига кириб ўзини унинг оёғи остига ташлади. Умархон унинг садоқати ва хизматини кўриб, бағрига босиб: “Эй вафодор хизматкор ва эй фармонбардор ғулум! Отадан яхши биродаримнинг холи не бўлди?”. Кўз ёши ва нолаю афғон билан *деvonбеги* жавоб бердики, “жони лабига етгунча биродарлик шафқатини жанобларига нисбатан дариф тутмади. Навбатимиз энди ўтиб, хонақоҳ бизнинг жойимиздир, дерди. Келиб ўзини жигаргўшаси оёғи остига ташламоқчи бўлиб келарди. Олти қуш мавзеига етиб келганида, милтиқ ўқи билан уловининг ёли унинг қизил қони билан бўялиб, // 34^б хино тусига кирди. Кумушдан окроқ ва ипакдан ҳам нафисроқ латиф вужудини хорлик тупроғига йикитдилар”. Бу вафодор ғулумнинг сўзларини эшитгач, унга оталиқ шафқатлар ва беандоза марҳаматлар кўргузиб, (Олимхон) жасадини олиб келиб “отам ва онам қабрлари ўртасига олиб келиб кўминглар”, деб фармойиш берди.

Зухурни ўз узангисини ўпишга мушарраф этиб, кўкка етадиган остонаси соқчилари қаторидан жой берди. Амир жасадини қон билан бўялган кийимларида олиб келиб, унинг хуршиднамо муборак жисминини шаҳар ичида халқ назаридан ўтказиб, хонлар дахмасида ота-онаси ёнида дафн этдилар.

Назм:

Шаҳе ки кунад такя бар тиғи тез,

Зи паҳлуи ў бигзарад ҳамчу без.
Сазовори тиф аст ҳар тиф зан,
Мазан ту касерову хунат марез.
Ба некӯи бигзарон ту умри худ,
Ба як давр меояд он бар ту низ.
Зи атвори гардун ту ғофил мабош,
Ситезандаро пеш ояд ситез.
Бидидам дар афлок мизони адл,
Мукофотро мукофот бошад, эй азиз.
Ниёзий, дар ин даҳр озори мўр,
Нажўйи, ки ў мор гардад гурез.

Ояти карима бўлмиш “Унинг касб этгани (яхшилиги) – ўзига ва орттиргани (ёмонлиги) ҳам ўзигадир”³⁰⁷¹ мазмуни унинг ҳолига мувофиқдир. Қилмиш-қидирмиш дегани шу экан. Мазкур амирнинг айёми давлати ва замони салтанатини, вафоти таъриҳини бу ҳарфларнинг муаллифи топиб, назм ипига тортиб, китобат риштасига киргизган.

Таърих:

Жулуси салтанати он амири рустамдил,
Ба лафзи ўзбеки Фарғона аст ўн икки йил.
Ба даври салтанаташ тожикони хуношом,
Чунонки ҳар якеи он аст наҳанги лучаи Нил.
Ба вақти қалъабари бар аду миён мебаст,
Фалак ба чашми аду баҳри нусраташ кашида мил.
На хандақ, на ҳисор на тўпхона садд шуди,
Мисоли фирқаи Яъжуж зи бех канда чу сел.
Қозоқу қирқизу ўзбек ба гирди ў тасхир,
Ба мулки русу хито монд масофат як мил.
Инони тавсани умраш қазо кашид охир,
Чу пеша пеш ажал гашта шуд вужуд чу фил.
Агар жўйи ту таъриҳи соли фавтро бикаш,
“Думи бақо ва сари жоҳ зи хони Рустамдил”.

“Бақо” сўзининг думи (алиф) ва “жоҳ” сўзининг бош ҳарфи “жим”ни “хони Рустамдил”дан исқот қилинса таърих ҳосил бўлур.

Умархон ибни Норбўтахон салтанати даврида юз берган воқеалар баёнидаким, у нур сочиб адл офтоби билан мамлакат тунини шариат чироғи билан ёритиб, бидъат зулматининг зулмини йўқ қилган ва фитнасоз даҳр ва шуъбадабоз осмон Фарғона мулки султонлари бошига турли қилиқ кўрсатаётган кунларда пайдо бўлди

//35^a Бунинг сабаби (Олимхонни) шариатпеша султонларга хилоф ва адолатандеша (амирларга) қарши ҳукмронлиги эди.

Таъби латиф ва фикри зарифга эга бўлган Умархонни барча улуғ машойихлар ва ҳурматли уламолар, ҳамма хосу ом дорул-аморатга йиғилиб, иккинчи марта оқ кигизга солиб кўтардилар. Барча уламо “Фотиҳа” сурасини ўқиб, уни адолат тахти ва арз-дод эшитиш кўрпачасига ўтқаздилар. “Муборак бўлсин” деган сўзлар ва қутловнинг жўши ва хурўши ложувард осмон тахтида ўтирганларнинг қулоғига етди.

Баъдазон ҳозир бўлганларга мақом мартабаларига қараб либос ва саллалардан иборат сарпо кийгизиб, барчани ўзидан хурсанд ва хуррам қилдилар.

Кундан кунга (Умархондан) писанд аҳвол ва маъкул атвор зуҳурга келарди. Тез фурсатда халойиқ унинг писанд хулқиға маҳлиё бўлиб, унинг мадҳи ва мақтови тилларидан жорий бўла бошлади. Узоқ вақтлар ичида ўйқу тўшагида ётган зулм ва фитна унинг адолат сиёсатининг *шиҳнаси* тифи зарбидан йўқ бўлиб, амният ва тинчлик, фароғат ва оромлик ўз жойидан ўрин олди. Халал асари ва бидъат салтанат асосидан йўқ бўлди. Хирож, таноб ва закотни шариат асосларида оладиган бўлди. Ислом дини наҳй (манъ) қилган ишларни мулк ва мамлакатдан узоқлаштирди. Султонлик ҳукмлари ва ҳукмронлик ишларини шариат асосида жорий этди. Ўз эгаларидан зўрлик билан тортиб олинган

³⁰⁷¹ Қуръони карим, 2:286.

қулларни қайта соҳибларига топширди. Шуъбадабоз дунё инқилобидан, фуқаробос ва хиёнатда мумтоз шоҳларнинг зулмидан қочиб, бу мулкка келиб ўз бошларини адолатлари абади бўлган дорул-хилофат тахтида ўтирганларнинг этагига қўйиб, марҳаматга лойиқ хизмат, шафқатга лозим жонсипорликларни сидқидилдан бажарган баъзи (қул)ларни фалакка бош урган саройдан жой бериб, сарафроз этди. Шоҳлар томонидан амирлик пойтахтига тортиқ ва ҳадя сифатида юборилган баъзи (қул)ларни эса қобилиятларига қараб эшик ва дарвозалар олдига қўйиб, султонлик ишларига маъмур ва машғул этди. Тожикларга жавоб бериб, уларнинг энг улуғларини *гала баҳодир* тўпасига қўшиб, вазифахўр ва остонабўслар қаторидан жой берди. Муҳаммаднурхўжа деган тожикни *ҳидоячи*³⁰⁷² амали билан сарафроз этиб, юз нафар номдор тожикдан бир тўпа қилиб, байдақ (пиёдалар)и билан унга топширди. Зиннатшоҳ, *қози* Ниёзмуҳаммад, Абдулбоқи ва шунга ўхшашларни умаро қаторига қўшди. Норбўтахон даврида *надим* бўлган Қобил мирзо ўғиллари ҳамда Ғариб Дўст *ясовул* ўғлиниким, Олимхон даврида Бухорога қочиб кетган эдилар, майманатосор Умархон замонида қайтиб келишлари билан амалдор этиб, чарх кудратига эга сарой вазифахўрларига айлантирди. (Умархон) Тошканд *ҳокими* Лашкар³⁰⁷³ *бекларбеги*³⁰⁷⁴ отаси Олимхон томонидан топширган Шоҳруххонни (буюриб) қатл қилди.

Назм:

Шаҳон ки ба хуни жигар сурх рў,
Шуда ёфтанд дар жаҳон обрў.
Матое ба хуни жигар мехаранд,
Наярзад ба фардо ба як рў ба рў.

Ирискулибек, Мўминбек ва Жумабой Қайтоқий амир Олимхон амирларининг саралари бўлиб, Умархонни Тошкандда йўлдан уриб, ўзлари билан олиб қочиб салтанат устига ўтказган эдилар. Улар Олимхонни бирёғлик қилгандан сўнг Умархонни ҳам ўртадан кўтариб, Ирискулибекни салтанат тахтига кўтармоқчи бўлдилар. Уларнинг бу ёвуз феъллари ва хавфли атворларидан Умархон давлатхоҳлари огоҳ бўлиб, уларнинг кетларидан тушиб, маслаҳат ва ниятларини Умархонга бир-бир етказдилар.

Олимхон даврида бир арзимас сабаб билан Бухорога қочган Ражаб *қўшбеги* Умархонни салтанат тахти узра келганини ва Кал Шоҳи Марғинонийни дорул-аморатда *мингбоши*³⁰⁷⁵ этиб тайинланганини эшитиб хурсанд бўлди. Фарзандлари Олимхондан қочиб Бухорога кетган Норбўтахоннинг давлатхоҳларини бирга олиб, Ражаб *қўшбеги* Умархон хизматида келди. Булар келиши билан Ражаб *қўшбеги* (ёрдами билан) Ирискулибек, Мўминбек ва Жумабой Қайтоқийни қатл қилдилар. Ўша ниятлари бузуқ бўлганларнинг маслаҳат мажлисларида Ражаб *қўшбеги* ҳам қатнашиб, уларнинг маслаҳат ва ҳақиқий ниятларидан воқиф бўлиб, амир Умархонни огоҳ қилди. Умархон уларни қатл қилиб, кудуратларини орадан кўтарди. Кудурат занги орадан кўтарилгач, мулкдорлик ойинаси жило бериб, султонлик корхонаси равнақ ва кундан-кун давлат иши тараққий топа бошлади. (Умархон) мулкдорлик ва адолатда барча Фарғона мулки шоҳларидан кимўзди мусобақасида ғалаба коптокига эга бўлди.

Икки йил фориғболлик билан ўтди ва Шоҳий *мингбошини* Хўжандда *ҳоким* қилди. Юсуф Қошғарийни *мингбоши* этиб, барча *саркарда* ва амирлар билан маслаҳат қилиб: “мазкур *мингбошини* амир *лашкар* тайинлаб душман бошига юборсак, токи салтанат қуввати ва билаги кучини, амирлик шавкати ва қудратини вилоят душманлари кўзига намойиш этиб, бу мамлакат мувофиқати ва бу маслаҳат оқибатини якунига етказсин”, деб айтди. Барча давлат устунлари бу маслаҳатни //36^a яхши деб билиб, дилу жонлари ила бу маънини маъқул қилдилар. Қўшинни жамлаб Юсуф *мингбошига* фотиҳа бериб, Ўратепа устига югуртириш ва талон-тарож учун буюрди. Рухсат олиб Юсуф *мингбоши* суръат билан кўчиб, уч кун деганда Ўратепа устига ўзини етказди. Икки-уч забардаст гуруҳни Ўратепага ташлаб, ўзи бошқа *саркардалар* билан кўчиб тўрт кунда Оқар оқбулоқдан Самарқандгача от чопиб, ғорат қилдилар. Саноқсиз чорва ва беадад сурувларни қўлга олиб, *мингбоши* фатҳу нусрат билан дорул-аморатга қайтди. Ўратепани қамал қилиш учун қолдирилган уч дастанни олиб Оқсуга келиб тушди. У ердан йўлга чиқиб тўрт кунда фатҳу зафар билан дорул-аморат остонаси файзидан баҳраманд ва оёқ ўпиш давлатига муяссар бўлиб, бағоят марҳамат ва беандоза шафқатдан сарафроз

³⁰⁷² Удайчи/ҳидоячи – элчилар, чопарларни хон ҳузурига олиб кирадиган сарой амалдори.

³⁰⁷³ Лашкар – бекларбеги. Асли номи Ғуломшоҳ Чатрорий. Умархон хос маҳрамларидан бўлган. Иноқи калон (1814-1815), Тошкент ва Дашти кипчоқ ҳокими (баъзи танаффуслар билан 1816–1841). Кўлоб ва Давроз (1830) ва Жанубий Қозоғистон (1834)га қилган юришларни бошқарган. Эшонқули додхоҳ деган ўғли бўлган ва унинг Тошкентда бино этилган иккита мадрасаси (Кўшмадраса) маълум. Шўролар даврида бузиб ташланган.

³⁰⁷⁴ Бекларбеги – бекларнинг беги. Шарафли ҳарбий унвон. Амир ал-умаро унвони билан тенг бўлган.

³⁰⁷⁵ Мингбоши – Қўқон хонлигида олий ҳарбий унвон, ҳарбий вазир. Минг нафар сарбознинг бошлиғи.

бўлди. Ўтган воқеаларни айтиб, боши Найманчада охири Хўжандда бўлган ўлжани бир-бир амир назаридан ўтказди. Амир хурсанд бўлиб унга фохира либослар кийдирди ва барча хизмат кўрсатган йигитларга сарполар бериб, амал ва ёрлиғлар билан уларни сарафроз этди. *Мингбошига* карам юзасидан: “Барча ўлжани йигитларга савияларига қараб саройда бўлиб бер”, деди. Олий фармонга биноан ўлжа бўлиб берилди. Амир ўзи форигболлик билан ҳукуматни шариат асосида бошқариб, салтанат тахти ва фароғат устида хотиржам истироҳат қилди.

Кўп фурсат ўтмай Дашти қипчоқ ҳолидан хабар топишни унинг адолат истовчи таъби талаб қилди. Хос амирлар ва *саркардалар*ни номзод этиб, ўзи ҳам Тошканд сари равона бўлди. Икки-уч кун ўтиши билан катта салтанат ва кўп шавкат билан Қурама вилоятига келиб ташриф буюрди. Шу мулкнинг барча аъёнларини талаб қилиб, султонлик карами ва хоқонлик марҳаматлари билан сарафроз этди ва фохира либослар, кўп ғаниматлар бериб уларни хурсанд қилди. Эски бидъатларни бу вилоятдан йўқ қилиб, барчани масрурҳол ва форигбол этди. Шу шаҳар фуқароси ва фузалосини аҳкоми шариат билан иш тутишга даъват этиб, адолат оини билан уларни ўзидан рози қилди. Эртаси куни у Кировчидан кўчиб, йўл давомида шу ўлкадаги аламзадалар ул додраслик фалакнинг офтоби, ул фарёдга қулоқ соладиган осмондаги моҳтобга золимлар зулмидан сўз очиб шикоят қилардилар ва забун аҳволларини арз қилиб, унга маълум қилардилар. Хон ўша биёбонда асъаса ва дабдаба билан юришига қарамай от устида аҳвол сўраб шафқат юзидан текшириш олиб борарди. Шу ўлкадан зулмни дафъ этиб, золимларга сиёсат кўрсатарди. Тошканд дарвозасига етгунга қадар ҳар қайси тоифа зулмдан шикоят қилиб, //36^б шу чўлда унинг саман оти туёғи остига ўзларини ташлаб, ул қора кун кўрганларнинг кўзларини саман оти туёғи чангу ғубори билан равшан этгани билан, улар ўз аҳволларини арз қилиб, золимлар зулмидан шикоят қилардилар. Ул шафқатшиор ва ул марҳаматкирдор беназир амир оталиқ шафқати билан тўхтаб, уларнинг аҳволини бир-бир суриштириб ва ҳақиқатни билиб бўлгач, уларнинг бошларидан зулмни дафъ этарди.

Кечаси Тўйтепага тушиб, ташрифи билан ул жойни безатди. Тошканднинг барча уламо, фузало, умаро ва кубароси тортиқ ва пешкашлар билан кутиб олишга чиқиб, оёғига йиқилиб бош эгдилар. Эртаси катта асъаса ва киши кўрмаган дабдабаю тамоша билан Тошканд дорул-мулкига юзландилар. Тошканднинг катта ва кичиги, хос ва оми Чирчиқ дарёси лабигача истиқболга чиқдилар ва мақтов тупроғига ожизлик юзларини сурдилар. Дуога қўл очиб, амири беназир умрининг узайишини бениёз Аллоҳ таолодан сўрадилар. Чирчиқ сувидан ўтгандан кейин катта иззат билан амири равшанзамир Қўйлук мавзеига қўнди. Турли неъмат ва лаззатли таомлардан давлат устунлари ва салтанат мулозимлари билан бирга баҳраманд бўлди. Таом ва шаробдан сўнг иззат ва иқбол билан саодатманд амир шоҳона узангига оёғини қўйиб, насимдек учадиган от суворийсига айланди. Елдан секин эсиб равона бўлди. Солор сувидан то султонлик манзили ва хоқонлик қароргоҳигача тождор суворий оти оёғи, кулаҳдор отлик қадами остига қимматбаҳо пойандозлар тўшадиларким, салтанат асоси дабдабасини шу куни кўк кийган фалак кўриб, ўзини кўк жома кийган қариялар каби қоматини букиб, унга ёқиш учун тождор боши атрофида айланар эди. Ер эса унинг йигитлари отлари туёғининг шарофатидан фахр ғуборини ҳаво авжигача кўтариб, ифтихор бошини улуғ фалакка етказди. Бу вилоятнинг аҳолиси симинбадан *маҳрамлар* ва қора кўзли Хўтан³⁰⁷⁶ кийикларини тамоша қилиб, хайратдан кўзгуда маҳв бўлишиб, ул сарвақад жамоли камолидан ва ул хуршидмисол султонлар сардафтаридан, бемисол жамоли камолидан, меҳр янглиғ нурида соя бўлиб, ҳар бир девор тагида Зулайходек Канъон осмони ойини пойлаб йиқилиб кетардилар. Ул салтанат осмонининг куёши хуршиди жаҳонгир каби порлаб, дорул-аморат манзилига ботиб, ташрифидан ҳамасини мамнун этди.

//37^а Олиймақом султонларга сазовор ва олийтабор хоқонларга лойиқ меҳмондорликни бошлаб, тождор хонларга хос дастурхонга оро бериб, турли неъматлар ва жондан ширинрок шарбатларни ҳазрат жанобларига олиб кириб, султонлик мажлиси саҳнини неъмату таом ва шарбатлар билан тўлдирдилар. Шаробу таомдан сўнг мажлисда бўлганларни фохира либослар билан сарафроз этдилар.

Лашкар *қўшбегини* фарзандлари билан бирга рангли сарполар ва гавҳарлар қадалган турли кийимлар билан ҳар куни ораста қилиб, хоқонликнинг бағоят карами ва бениҳоят марҳаматлари билан фахр бошларини кўк гумбаздек баланд, саройдагилар манглайдан ҳам сарбаланд қилиб, ҳузуридан кузатиб қўяр эди. Ул вилоятнинг халқи бу (*Лашкар бекларбеги*) қадри поясининг қиммати барча рафиъмакон ва олишон соҳиб кишварлардан юқори бўлганини ва шунинг учун ҳам у шундай навозиш ва марҳаматларга сазовор бўлганини билдилар. Шундай мурувватни кўрган халқ вилоят ҳукмдорлиги тахтига у лойиқ эканини кўрдилар. Сартия ва қозоқия элларининг Барча *оқсоқолларию*

³⁰⁷⁶ Хўтан – Хитойнинг ғарбий қисмидаги шу ном билан аталган дарё, Тарим дарёсининг ўнг ирмоғида жойлашган шаҳар.

жумла бийларини Лашкар бекларбеги хизматига буюриб, уларни тортиқ ва пешкашлар билан олиб келиб, ҳумоюн назаридан ўтказдилар. Шаҳар, музофот, ўлка ва элотиянинг ҳамма аъёнлари, оқсоқоллари, бийлари ва улуғларини мартабаларига қараб, аҳли аёллари билан қиммат либослар билан сарафроз этди, кўпчиликка султонлик карами ва шафқатини кўрсатди. Ҳаммаларига тархонлик хати ва хоқонлик ёрлиқлари бериб, рухсат беришди. **Назм:**

Надид инчунин кас шаҳи бо жамол,
Ба фазлу фаросат ва ақлу камол.
Зи фазлу ато бахши оми ў,
Ҳамекард гузорандаги бе малол.
Ба ҳар нуктасанже ба як ҳарфи шеър,
Бибахшиди зар рафти аз вай вубол.
Набошад ба асбоби шоҳи бақо,
Магар васфи ў шуд варақ итгисол.
Ба асбоби шаҳаншаҳи дил мабанд,
Шаҳиро аз эҳсон сабаб шуд маол.
Ҳар он номвар дар жаҳон номи нек,
Баровард ба хуби наёбад завол.

Кейин, иккинчидан, Ражаб қўшбегини Туркистонни босиб олишга маъмур этди. Мазкур қўшбеги тожиклари ва Тошканд қўшини билан уч кун суръат билан кўчиб бориб, тўртинчи куни кечаси етиб бориб, эртаси саҳарда Туркистон қалъаси тагида пайдо бўлди. Гафлат уйқуси авжи вақтида қалъага //37^б бостириб кириб, уни забт этишди. Бор мол ва хазинани қўлга киритиб, ул вилоят ҳокимини барча давлатхоҳлари билан Умархон хизматига юборди. Туркистон атроф ва жонибини ҳам мутеъ ва тобеликка киритди.

Беназир ва равшанзамир амир Туркистон фатҳ бўлганини эшитиб, хурсанд ва масрур бўлди. Бироқ қариялар ва ишбилармонлар тажрибадан келиб чиқиб, тез забт этилган вилоятдан оқибат бевафолик келиб чиқади, деб айтдилар. Амир зудлик билан Туркистон вилояти ҳукуматини Шайх Бадал додхоҳ³⁰⁷⁷ гаким, ота-боболари қаторида хўқандлик давлатхоҳлар жамоасидан эди, берди. Уни шарият ишларига тарғиб ва ташвиқ этиб, вужудини қимматбаҳо тўнлар ва бошини салла ва ёрлиқлар билан оро бериб, ул худудга кетиши учун рухсат ва ижозат берди.

Шайх Бадал додхоҳ Туркистон қалъасига дохил бўлиши билан Ражаб қўшбеги қайтиб, фирузлик билан амир ал-муслимин ва дин ҳомийси хизматига етиб келди. Амири жавод ўзининг султонлик лутфи ва хусравоний шафқатини қўшбегининг хизматига лойиқ ва жонсипорликига яраша ато этди, балки хизматига ортиқча карам кўрсатди. Карамли шоҳларнинг бахиллардек тор кўзларида шундай карам ва саховатлар кўринмаган, асло. Амири дарёдил ва сурайё манзилнинг карами ва эҳсонларини, саховати ва бахшишларини, дили салим бўлган берувчи қўлининг охири ва кенглиги кўринмас эди.

Оқиллар буни икки сабабдан деб билардилар. Биринчи сабаб шул эдики, унинг отаси марҳум Норбўтахон ўзи бахшанда ва сахий эди. Ҳукмронлик коптогини барча хонлардан ютиб олган бўлиб, узок вақт фармонраволик тахтига барқарор ўтирган эди. “Садақа балони қайтаради ва умрни узайтиради”, деган сўз бу калималарнинг исботидир.

Имтиёзли ва билими мумтозли амир отаси ҳукумат сурган вақтларда султонлик қилу қоли ва хоқонлик феълу атворида диққат қилиб, султонлик мадори олиш-бериш, эҳсону бахшиш билан забт ва қўлга киришини яхши билган эди. Шоҳ васфининг кўпайиши ва халойиқ тилини ёпиши шаҳаншоҳлик ишларидан экан, зеро давлат бошқанинг қўлига ўтиши халойиқ дуосига боғлиқдир. Ва, яна лозим шартлардан бири, бу халойиқ аҳволдан яхши хабардор бўлиб туришдир.

Иккинчи сабаб – Ҳақ таолонинг унга кўрсатган лутфидир. (Умархоннинг) муборак вужудиини хусн ва чирой билан оро берган: унинг қомати муборакига гулдастадек чирой бериб, юзи оқпар ва хуршидлиқо, нур таратувчи, қора шахло кўзлари офоқни ўзига банда қилувчи, // 38^а таъби зариф, зехни латиф эди. Сахий ва карим эди. Бу ҳамма фазилат Аллоҳ таолонинг унга кўрсатган бағоят лутфи ва шафқатининг иноятдан бўлиб, унга латиф назм ва мавзун шеър ёзишни ато қилди.

Назм:

Сабаб раҳ наёбад Худододаро,
Сабаб марди раҳ асту лутфи Худо.
На касбий бувад шеър ва зехни латиф,

³⁰⁷⁷ Додхоҳ – дод, адолат истовчи. Саройдаги амалдор. Барча ариза ва сўровларни хон (амир)га етказиб, жавобини олиб чиқадиган шахс. Маҳаллий ҳокимларга ҳам кўпинча шу унвон берилган.

Шуд аз лутфи Ҳақ бар дил бо сафо.
Зи таълими устоз ў бе ниёз,
Ба дил партави бениёзий ҳудо.

Аллоҳ таоло бировга берса беради, бермаса бермас! Беришида сабаб ва бермаслигида иллат, унинг жавҳарида нуқс ва чегара, ҳад йўқдир.

Саховатпеша ва хайрандиша амир Тошканд вилоятида бир неча кун яшаб, шу мулкнинг барча машойихи, уламо, фузало ва кубароси, аён ва ашрофини хайр ва эҳсони кўплигидан беғараз ўзига кул қилди. “Инсон – эҳсон кули”, деган сўз рост экан.

Амир қайтишга фармон берганида аёлу эркак, шайху мулла, бою гадо, барча фуқаро фаррух фуруғ шоҳ, Шохрух руҳи, яъни Умархон ибн Норбўтахон томошасига чиқдилар. У раъноликда Миср ва мисрийликлар бозорига ўт қўйган раъноюзли юсуф сифатлиларнинг бошлиғи бўлиб, чиройда олам хусравларининг зеболик кулоҳини ҳусни тажаммул билан олиб, сайёра ўтхонасига ўт қўйиб, хуршидҷамол ва ҳурмисол *маҳрам*лариким, ой чехрали ҳусн тобишларидан оламни олам бозорида нурафшон қилиб, сафолдек оқ юзлари билан гулжабинлар ҳуснини шу боғда оро берарди. Орият обу ҳавоси билан упа рангли хуршид унинг қаршида фалакнинг зебо рангини бой берди. Кўча ва шоҳқўчаларнинг икки чети Юсуфга бутунлай гирифтор бўлган мисрликлар каби тўла, Тошканд кўчаларининг деворлари остида одамлар кўзлари нам гадолардек, муфлис бўлган кишилардек, икки букилиб турганлар ҳусн чаманистони гулининг чиқишини кутиб турардилар. Карнай овози, ноғора ва сурнай ҳамда жанг ноғораси садосини шотирлар томошабинларнинг кулоқларига ва ҳозир бўлганларнинг диққатига етказишлари билан, зиннатойин аскарларнинг муқаддимаси ва нусратқарин лашкарийларнинг олди парвин каби тўп-тўп, санжиқ-санжиқ кела бошладилар. Халқ мажмуи ва ҳамма эркагу аёл жамоати бирдан жойларидан туриб, барча чиройли паричехралар ва жумла зиннат оролар, юзларини очиб сатр кийган хотинлар бепарда олам ва очик юздан маҳв бўлдилар. Нағма саролар саси, //38^б бедилхонлар овози ва хушилхон булбулларнинг хонишлари савдойи томошабинлар ва томошабин савдойилар кулоғига етиб бориб, аёл ва эркак дили эзилди. Қон тўккан кўзлар ва сувдек эриган жигарлардан кўз чашмаларидан булоқлар очилиб, этаклар тўлди. Шу пайтда гулрў *маҳрам*лар ва хушхулқ шоҳидлар чиройли либослар билан ораста, ипакли тўнлар билан пироста бўлиб, арабий отларга минганча елдек учадиган париларга ўхшаб, томошабин одамлар олдидан ўтардилар. Бу боғи Эрамда янги очилган ғунчалар бўйидан назоратчи халойиқнинг димоғлари ҳалабий шишадек фирдавс атридан тўлиб кетди. Кўчада тамошабин бўлиб турганларнинг хуши озод чаманистонининг нозанинлари жамолини кўргач, бесару сомонлик томоша кўчабоғи хайратистонида йўқ бўлдилар. Замона фалакининг хуршиди ва Фарғона осмонининг тахтига ўтирган тўлин ойи, офоқ сахнасидаги саховатпеша султон нурдек жамол кўк гумбазида энг зеболик ва энг дилраболик билан, жавохирлар қадалган заррин тож, зарбоф салла кийган ҳолда, танноз товус каби юраётган сарвиноз ва хушхиром, тоза зотли ва енгил жиловли отда юмшоқ юриб, ҳавода учаётгандай, беҳаракат ва беозор, вазирларию *надим*лари ва минглаб ипак кийим кийган йигитлари ва осмонни елкаларида кўтарган аскарлари билан, зарринкамар ғуломлари ва бахмал ёпинган зулфдор шотирлари билан энг яхши асъаса ва энг комил дабдаба билан, улкан дарё сингари жўш ва хурўшга келиб, савлатли тимсоҳдек нарм хиром айлаб ўтиб кетди.

Шаҳар кўчаларида турганлардан фиғон, тошкандлик интизор бўлганлардан нола осмонга кўтарилиб, ложувардий осмондаги Сомон йўли кўчаларигача етиб, жумла халойиқ барчаси бирдан ул мулк тождор султони ва жаҳонбонлик маснади тахтнишин хоқони, олиймиқдор шоҳлар тахтининг чиройи, иқтидорли хонларнинг гулранг масканлари безагининг давлати ва умри зиёда бўлиши учун кўллари дуога очиб, сидқи дилдан “насрун мин Аллоҳи ва фатхун қарибун”³⁰⁷⁸ сўзлари тилларидан жорий бўлди ва хони аъзамнинг умри ва давлати зиёда бўлишини Бениёз Аллоҳ даргоҳидан сўрадилар.

Назм:

Эй Худоё фатхро кун пойбўси давлаташ,
Нусрату имдоду зафарро ҳамжулуси давлаташ.
Тахту бахту рахти ўро дор дар авжи сипехр,
Ҳам баланд овоза гардони ту кўси давлаташ.

Томошабин аёллар ва гулчехра қизлар хуршидмисол ва зарринкулоҳ хон ҳуснининг товланишидан, абрў хилоли ва яхши сипоҳидан ҳамма //39^а лол ва шайдо бўлиб, Эрам боғи гулистонининг булбуллари каби хонишга киришдилар ва наво кўчабоғи афғонистонида бошдан оёқ

³⁰⁷⁸ Қуръони карим, 6:13.

наво ва нола бошлаб, тобу тапишга тушиб, юзларидан пардаларни олиб ташладилар. Барча одамлар бирдан оҳ ва нолаларини кўк чархига етказиб, мисрлик аёлларга ўхшаб, нур таратадиган Канъон ойининг йўлига тушдилар. Ул Юсуфи Соний ёз куёши сингари қадам ташлаб, жамоли нуридан кутаётганлар, кўчадагилар ва деворлар тагида гадолардек турганларни бахраманд этиб, барчани нур таратиш эҳсонидан саросимага солди. Шундай зебо султон ва бобақо хоқон, хуршид мисол маҳрамлар ва сарв ниҳолидек йигитлар, зебо асос аскарлар ва дебо либос лашкарийларни кўрдилар. Муча мисол ўз оғизларини ҳазрати хон ёди учун очиб, шукргуфтор ва шакаросор тилларини девсурат эрлари ва ифритсийрат ёрлари мазамматига киришиб кетдилар. Улар: “Кошки, бизни фирдавсод Фарғона мулкида оламга келтирсалар. Сарви озоддек ул шарофатли ўлканинг бирор-бир йигитининг канизаги бўлиб, хон оёғини ўпиш бахтига муяссар бўлардим. Бу қандай шўр бахтликим, парини дев билан ҳамхона қилибдилар.

Назм:

Дар гулистон кардаанд гулро ба неши хор жуфт,
Инчунин дар неши занбўрон жон озор жуфт.
Найшакар ва ханталистон фаранг омодаанд,
Талхкомонро ба ширинзабони ёр жуфт.

Бу ғўлистон вилоятда, ғўристонга ўхшаш хоналарда, одамрўй фаррошлар, ёмонхулқли андийлар билан йўлдош қилдилар”. Оқибат жонгудоз ҳасратлар ва бахти қаро койишлар, юз оғирлигу дарди сар, шикоятлар билан Эрам боғи бўлмиш Фарғона дорус-салтанатнинг товусдек паризод жамоасидан тузилган лашкари, фирдавс ошёна дорул-аморатнинг хурлар гуруҳидан тузилган аскариясининг ўтиб кетишини кўрдилар.

Аксар моҳлиқо аёллар ва зебоиншо паризодларнинг қалб қушлари сарв дарахтидек баланд бўлган ёшларнинг хусн нахли шохларига бориб кўндилар. Бадмаош ҳамхобалари ва пурфару хош (кибрли) эрларидан кўнгиллари совиб, ақл йўқотган девоналар, қиморда ютқазган қиморбозлар каби мусибатхоналарга ўхшаб қолган ўз уйларига ҳушдан кетган девона ва Мажнун каби беҳуш ҳолда бориб кирдилар. Девмонанд ҳамхоналари ва Ифритга ўхшаган маъшукларидан паридек юзларини ўгуриб, бирга яшамасликни ўзларига лозим деб билдилар ва аксарларининг уйлари //39^б вайроналикка мубтало бўлди.

Амир ал-муслимин ва ашраф ал-мўминин иззат ва ҳурмат, давлат ва нусрат, бутун тажаммул ва хурсандчилик билан Тошканд вилоятидан катта бойлик ва кўп молларни олиб чиқиб кетди. Йўл-йўлакай барча вилоятлардан қилинган тортиқ ва ҳадяларни қабул қилиб, молдан тўла хазина ва бой дафиналар билан тез орада пойтахтга кириб олди ва ўз ташрифидан барчани сарафроз этди.

Тахтга ўтиришининг олтинчи йили масжиди Жоме тарҳини солиб, еттинчи йилида охирга етказдилар.

Унинг таърихини қасида ва мадҳ шаклида Мулло Ниёзмухаммад топиб, назм ипига тортди.

Таърих:

Амири жаҳондор ва хуршиднур,
Зи худ кард хурсанд наздику дур.
Заифон ҳама шоду хуррам аз он,
Фақирон зи эҳсони ў дар сурур.
Ятимон фаромўш карда падар,
Зи ашфоқи базлаш ҳама дар ғурур.
Ғарибон ватанҳо фаромўш кард,
Зи базлаш ҳамекард зи хешон нуфур.
Ба давраш шуда шайху олим азиз.
Азизон ҳама гашта ғарқи нузур.
Ба масжиди Жомеъ кашиданд тарх,
Зи ҳукми жаҳондори эҳсонвуфур,
Бувад соли итмоми таъмири ў,
Шуда аз каромоти султони зўр.
Бикўш эй хирад ба таърихи ў,
Ба итмоми ў омад ин жо зарур,
Бигуфто хирад соли таърихи ў,
Бипурси зи ман боз “Жомеъ зухур”.

Сергак ва хушёрлар хотирларига ошкор ва нозук таъбли мулоҳаза қиладиганлар диққатига маълум бўлсинки, “боз Жомеъ зухур” таърих моддаси бўлиб келган, зеро марҳум Олимхон ўзининг майманатосор замонида шу Жоме масжиди жойида мадрасаи олий барпо этмоқчи бўлиб, бир одам

кадди баробарига (деворларини) кўтарган эди. Ҳазрати эшон Домулла Муҳаммадиякуб охунд марҳум, Аллоҳ унинг қабрини нур билан мунаввар этсин, мадраса биносидан уни манъ этиб, унга айтгандиларки: “Эй амири соҳиб хуруж! Бу барпо этаётган иморат Худо ва Русулининг илми маскани бўлаётир. Худо ва Расулининг илмини тоза маконда ўрганиш ва таҳсилида кўшиш қилиш ва унга ҳалол вақф қилиш талаб қилинади. Толиблар илм таҳсили вақтида риёзат чекиб, вақфи ҳалолдан ғизоланадилар ва илм оладилар, ҳақиқий олимларга айланадилар. Кўпгина олимлар парҳез қилмаганлари учун ҳам амалда ожиз бўлишади. Сен шу бинони қураб экансан, сарфлаётган маблағларингнинг асли даромади нимадан?! Бу пулларни касб ва ҳунардан, тегирмончилик ёки ғишт кўйишдан олмаганингни биламан. Бу пуллар халқнинг ҳақи. Аҳолидан тортиб оладиганларинг на шариат расмларига ва на халқ розилигига тўғри келади. Биров ҳаром нарсани ҳалол деб, уни сарф этса ва уни савоб деса // 40^a куфр бўлади”.

Бу сўзни эшитган амир ёқасини йиртиб, устози оёғига ўзини ташлади ва узр айтиб, мадрасани бузиб ташлашга фармон берди. Ғиштарини кўчириб олиб, бошқа бино учун сарфладилар. Шунинг учун ҳам Умархон муборак замонида Жоме масжидини иккинчи марта ўша бузилган мадраса ўрнида бино қилдилар. “Боз” (яна, қайта) сўзини “Жоме зухур”га қўшиб таърих топдик. Яна бу мамлакатнинг жамъияти шу масжид асосидан кенгайиб, шу ибодатхона хурмати сақланишидан маълум бўлгани боис, шундай таърих топиб, китобат риштасига тортилди.

Жулуснинг ўнинчи йили Ўратепа амирлари ва Хўқанд хонлари ўртасида хусумат бўлгани боис, Самарқанддаги хитойи, қипчоқ³⁰⁷⁹ ва қорақалпоқ халқидан бандалик арзи ва итоат тариқасида хабар келдики, “Жаҳонпаноҳо! Султонлик лутфи ва хоқонлик марҳамати юзидан бу узоққа тушган фуқароларни сарафроз этиб, таважжух жиловини Жиззах сари бурсалар нима бўлур эди? Бу узоққа тушганлар олий даргоҳ остонани ўпиш шарофати ва хокбўслик шарафига етар эдик”. Бу сўзларни эшитиши билан амир хурсанд бўлиб, келган *миёнчига* фохира сарполар кийгизиб қўшга буюрди. Шундан кейин ҳамма давлат арконларини жамлаб, Жиззах ва Самарақанд элотиеси юборган хатни ўртага ташлади. Давлатнинг барча ҳавоҳоҳлари ва салтанатнинг барча нусратҳоҳлари рукъа мазмуни ва ариза моҳиятидан хабардор бўлиб, арзга етказдиларки, “Жаҳонпаноҳо! Мазлумларни адл истаб сенга мурожаат қилганларида адолатпеша киши сифатида шафқат юзидан бориб, мазлумларни ҳимоя қилиб, золимларга жазо беришинг зарур”.

Бу сўзлар баён этилгандан кейин шафқат қилиб қўшин жамлашга келишдилар. Вилоятнинг атроф-теварагига мулозимлар юбориб, Фарғона дорус-салтанатининг барча лашкария ва аскариясини йиғдилар. Дашти қипчоқдаги қўшин учун Лашкар *бекларбеги*га ҳам киши юбордилар. Кейин нусратасар байроқни олиб чиқиб кўтардилар. Дарбори олийнинг кулли *галабаҳоқодирлари* шу нусратпайкар байроқ остида жамландилар. Шуқуҳли амир асъаса ва дабдаба, салтанат тантанаси билан пойтахтдан осмонда ин қурган хуршид каби бир ўзи отга минган ҳолда чархостона қаср саҳнидан заррин камарли шотирлари ва қўша қўшиқчи ҳофизлари билан чиқди. Муқаддимада зафарли жиловни ўраб, булбулдек хониш қиладиганлар юриб, дилгудоз ва жоннавоз соз ва куйлари билан назоратчилар оҳу фиғонларини мовий фалак ва муаллақ осмонга чиқартириб, шу карру фарр билан давлатхона дарвозасидан чиқиб, ташқарига хиром айлади. Барча фуқаро, тамошабин ва назаратчилар, уламолар “фатҳ” ояти³⁰⁸⁰ни ўқиб, жумла халойиқ фотиҳа беришди. Катта давлат билан шаҳардан чиқиб, Қўшқўпрук мавзеига кўндилар. Иккинчи куни Бешариққа келиб тушиб, учинчи куни кўчиб Конибодом кўриқига, тўртинчи куни Қароқчиқумга, бешинчи куни Хўжандга етиб келиб

³⁰⁷⁹ Қипчоқлар – (рус манбаларида – половцы, Византия манбаларида – куманлар) – туркий халқларнинг энг йирик қабиаларидан бири; ўзбек халқи этник таркибидаги асосий компонентлардан бири. Қипчоқлар нафақат ўзбек халқи энтогенезида, балки қатор бошқа туркий халқлар – қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, туркманлар, татарлар, бошқирлар, олтойликлар ва Шимолий Кавказдаги айрим халқлар (нўғойлар, қўмиқлар, қорачойлар ва б.) шаклланишида муҳим рол ўйнаган. Қипчоқларга хос этник белгилар усмонли турклар, венгерлар ва б. қатор халқлар таркибида ҳам мавжуд.

Қипчоқларнинг Мовароуннаҳр маданий минтақаларига ялпи кўчиб келиши Шайбонийхон даврида XVI асрда ва кейинчалик XVII асрда аштархонийлар даврида юз берган. Шунингдек, қипчоқлар XVI нинг иккинчи ярми – XVIII нинг бошларида, жунғарларнинг Қозоғистоннинг жанубий ҳудудларига бостириб кириши жараёнида ҳам Зарафшон воҳаси ва Фарғона водийсига кўчиб келганлар. Қорақалпоқлар, қозоқлар билан бирга қипчоқларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши икки йўналишда бўлиб, уларнинг бир қисми Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб Тошкент воҳаси ва Мирзачўл ҳудудларида жойлашган. Қипчоқларнинг иккинчи қисми эса Ўрта Зарафшон бўйлаб кетган. XVIII асрнинг 20-30-йилларида қипчоқлар Шимолий Фарғонанинг тоғ олди минтақаларига келиб ўрнашганлар. Фақатгина маълум миқдордаги қипчоқларгина Тошкент воҳасида қолган. Бу даврда қипчоқлар 4 та асосий гуруҳга: қора қипчоқ, сариқ қипчоқ, хитой қипчоқ ва қулон қипчоқларга бўлинган. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, майда гуруҳларга бўлинган. Қипчоқларнинг айрим гуруҳлари XX асрнинг бошларигача ўзларининг уруғ-қабилавий бўлинишларини сақлаб қолганлар (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси).

³⁰⁸⁰ Қуръони карим, 48 сураси.

тушдилар. Бу ерда уч кун туриб, барча // 41^б кўшинни йиғиб, тўртинчи куни бу ердан кўчиб Қўштегирмон³⁰⁸¹ устига келиб тушдилар. Мазкур кун Лашкар *бекларбеги* Тошканд ва Дашти кипчоқ ҳамда Қурама *саркардаси* ва унинг аскарлари билан Хайрободдан ўтиб, зафарасар лашкарга кўшилди. Лашкар *бекларбеги* ва Қурама *саркардаси* ўзининг амирлари билан бирга келиб, остонбўслик шарафига мушарраф бўлдилар. Хусравоний шафқат ва марҳаматлардан баҳраманд бўлиб, бошлари осмонга етди. *Саркарда* ва амирларнинг барчасини ва айлана чархдек саройга хизматига келган жами қуролланган йигитларни шавқ ва завқ билан қабул қилиб, уларга маслаҳат денгизида сузиш учун мувофиқ елкан берди. Барча давлатхоҳлар гавҳарсанж ғаввослар ва денгиздан келган тожирлар каби ўзларининг дурдек савобли фикрларини битта-биттадан олампахоҳ хизматига манзур қилдилар: Жаҳонпаноҳо, – дейишди улар, – забардаст душманни нусратасар лашкар орқасида қолдириб, забардастроқ душман устига бориш, олиймиқдор ва соҳибтамкин шоҳаншоҳларнинг маслаҳат қоидалари ва узоқни кўра биладиган ҳукмдорларнинг расму ойинларига тўғри келмайди. Валекин жаҳоноро шоҳаншоҳнинг ойинаи жаҳоннамосида ва шоҳлик замирида қандай тадбир ва қандай фикр келган бўлса, мулкдорлик, оқибатни кўра билиш ва сулҳу жаҳондорлик юзасидан қайси тўғри бўлса, йўсун ва суратда бўлса ўшани ҳусни тадбир дея, бажаришинг мумкин. Шундай маслаҳатни сидқидилдан қабули, вазирларнинг дурандишлиги, хайрият ниятли *саркардаларининг* хотир писандликларидан ғунчамисол султон гулбуттасининг хотирига қаттиқ таъсир қилди ва хоқонлик шакаристон лабини шакар сочиш учун очиб, табассум ва ширинзабонлик билан деди: Эй жонсипор давлатхоҳлар ва эй садоқатшиор маслаҳатчилар! Юзия қавми, кўркмас ўғрия жамоаси Фарғона қавмлари рўпарасида қуёшга қарши турган бир зарра, мавж ураётган денгизга қарши турган бир томчи кабидир. Ўзимизнинг баландпоя ҳимматимизни буюк фалак устига кўйиб, зафар ва нусратни Ҳазрати Бечуну чародан сўраб, биздан мадад сўраган қавм устига бориш хоқонлик ҳиммати ва султонлик ғайрати талаб қилади. Уларнинг олдига бориб улардан ҳол ва аҳвол сўраб, кўнгилларини кўтариб, кейин Фарғона мулки салтанатининг куч-қувватини маълум этармиз. Агарда Фаттоҳ фатҳу нусратни мен ожиз бандасига берса илло билло бу худодод давлат ва нусрат имдодли жамиятни халқнинг хавотирга тушмаслиги, душмандан омон яшашлари учун сарфлаб, Жиззахни қамал қиламан. Шу орада қорақалпоқ, хитойи ва кипчоқ // 41^а элатлари аҳволдан ҳам воқиф бўлиб, ўзимнинг шафқат ва марҳаматимни улардан дариг тутмай, ҳолларини сўраб тураман. Шундан кейин яхши номим бу иккала жамоа ўртасида қиёмат кунигача қолажак.

Давлат арконлари ва салтанат сарҳанглари бу оқибатандеш фикр ва тажрибадан ўтган юракка яқин маслаҳатни хоқоний шакар сочувчи оғиз ва султоний дур сочувчи забонидан эшитиб, ҳамма уни дилу жондан қабул қилиб, ҳиммат камарини бандалик белларига боғлаб, жону дилдан хизматга киришдилар. Эртаси куни Қўштегирмондан кўчиб, суръати тамом ила Хавос устига бориб тушдилар. У ердан Ёмга ўтиб, юриш бошладилар. Жиззах устига келиб кўндилар ва бир кеча ётиб, Самарқанд дарвозасигача *чаповул* урдилар. Қолган кўшинни Жиззах қалъасини қамал қилишга буюрдилар.

Хитой кипчоқ жамоаси мулозим юбориб, Самарқанднинг бутун кипчоқ жамоаси тортиқ ва ҳадялар билан келиб, остонбўслик шарафига етдилар. Уларнинг ҳар бир бошлиғига турли рангдаги сарпо ва дебо кийгизтириб, қолганларини ҳам савияларига қараб фоҳира сарполар билан қутладилар. Хоқонлик бахшишлар ва карамининг кўплигидан, султонлик лутф ва эҳсонлари касратидан подшоҳлик хазинаси талон-тарож бўлган саройдек ва ўғри тушган уйлардек, софдил сўфийларнинг диллари каби молу ашё, либосу ақмош, нарсаю ажнослардан холи бўлиб қолди. Оқибат аскарлар либослари ва кийимларини қарз сифатида олиб, элотия меҳмонлари ва бодия сокинларига эҳсон қилишди. Шундай аҳвол қирқ кунгача давом этиб, Жиззах ва Самарқанддан то Миёнколгача келиб-кетган фуқароларга инъом ва либослар бериларди.

Шу аснода қамалнинг қаттиқлигидан қалъа ичидаги қуршовдагилар бирдан ўзларини ташқарига урдилар ва амирнинг хос ғуломларидан бўлмиш Шаҳрихон ҳокими Ҳабиб (?) *жилавдор*ни уриб, тиғдан ўтказиб қатл қилдилар. Ўша вақтда шу китоб муаллифининг бобоси ҳам бу даргоҳнинг ишончли кишиларидан ва шу боргоҳнинг ҳожатбарорларидан бўлиб, ифритмакон қалъа қамалдагиларнинг камон ўқидан фалокатнишон аччиқ ажал шарбатини даврон соқийси кўлидан олиб ичиб, бу дори бемадордан олами бенишонга йўл олди ва гўрнинг бурчагида қиёмат кунигача қоладиган бўлди.

Шафқатли ва марҳаматли амир банданавозлик ва кадрдонлик, кадршунослик кўрсатиб, Жилавдор *иноқ* ва бошқа қадимий бандалари ўликлариниким, жонсипорликдан ўзларини қазо ўқиға нишон қилиб, бу оламдан видолашган // 42^б эдилар, амир буюрди жанозаларини ўқиб дафн этдилар. Мақтул ва ўлганларни ўша ерда кўмдилар.

³⁰⁸¹ Қўш тегирмон – ҳозирги Бағдод тумани (Фарғона вилояти)даги Қўштегирмон қишлоғи.

Жонсипорлар ҳақиға шафқат шиорли дилининг куйиши ва марҳаматосор ичининг койишидан амир тоқат қилмай қайтишга буйруқ берди. Секин қайтаётиб амир Ўратепани босди ва бир-икки кун шу ерда қолиб, у ердан ҳам кўзғолиб, бамайлихотир олти кун ичида дорул-аморатга келиб қарор топди. Эртаси барча *саркардалар*га рухсат бериб, ўзи Хўқандда барқарор ором олди.

Назм:

Ба ғайр аз лутфи Худо шоҳро мададкори,
Кужо кунад зафар имдоду нусраташ ёри.
Биёфт Коваро мадад лутфи Ҳақ нусрат,
Ки тохт бар сари Заҳҳок одами този.
Ба роҳи ажзи шаҳи бар дараш бимолад рўй,
Муроди ў бидихад Ҳақ агар кунад зори.
Хуш аст бар дари ў зори пурафзорон,
Кунад ҳазор халойиқ зи гирия хунбори.
Бар он шаҳе ки варо пеша фақржўйист,
Шуда дили фақр аз муҳабаташ ори.
Уружи давлати шаҳ аз дуои аҳли фақр,
Вазад насими инояти ҳазрати Бори.
Ниёзий, бар дараш аз фақри шоҳ хуштар нест,
Ба сархамий зи дараш ёфтанд кулахдори.

Амир ал-муслимин тахтга ўтиришининг тўққизинчи йили Маҳмудхон тўра Аҳрорийким Бухоро амири мадади билан Ўратепа волийси бўлган эди, амир (Умархон) билан иттифоқ тузиш ва яқранглик учун келишиб олиш фикрини ўртага ташлади. Фаррухдимоғ амирни муаттар димоғли алавий тўранинг ошнолик уфори ўзига тортиб, қўшин жамлаш учун ён-атрофга мулозим чиқартириб, тез кунларда нусратасар лашкар келиб Арзик тепа мавзеига йиғилди. Шундан кейин амири равшанзамир қуёш нуридек фалакнинг шарқдаги саройидан порлаб чиқиб, карру фар ва асъасаю дабдаба билан Арзик тепага келиб қўнди. Кейин у ердан кўчиб Бешариқ мавзеига келиб тушди. Шундай йўл юриб, олти кун деганда Ўратепа устига келиб тушдилар. Маҳмудхон тўра Ўратепа *волийси* неқном амирнинг ҳамида васфини эшитиб, дили зироатгоҳида муҳаббат ва яқранглик уруғини экиб, амир билан ҳамсуҳбат бўлишни ўзига лозим деб билган эди. Тавозени пеша қилган соҳибандиша амир саййидлик ҳурмати учун неқандиш бир *надими* ва хайриятандиш бар *махрамини* сулҳу салоҳ учун Маҳмудхон тўра хизматиға юборди. Расул бориб етиб мазкур Маҳмудхон тўра элчиға нисбатан таъзим ва иқромни бажо келтириб, чиқиб, амирни кўришиға ваъда берди ва расулни катта хурсандчилик билан кузатиб қўйди. Ул тавоно *миёнчи* ва доно расул ўша алавий саййиддан эшитган латофатли сўзлар ва зарофатли гапларни энг фасоҳатли калом ва назокатли низом билан суҳансанж амир хизматиға // 42^a келиб, бир-бир етказди. Элчи сўзларини эшитган амир хурсанд бўлиб, уни фоҳира либослар билан сарафроз қилди. Кейинги куни нафис ва зариф тортиқлар чиқартириб, одамизода тўраи шариф давлат арконлари ва мамлакат аъёнлари билан Муғ аркидан чиқиб, мовий осмонға тенг даргоҳға кириб келди. Амир ҳам баландпоя улуғларини ул вусъатпаноҳ истиқболиға боргоҳ эшигиға юборди. Ўзи ҳам салтанат саройи пардасида аркони давлати билан барқарор турди. Қароргоҳи атрофида ўн минг камондор йигитларни энг зебо кийимлар билан ораста, мукамал ва қуролланган тарзда пироста қилиб қўйди. Салимдил тўра боргоҳ эшигиға кириб, шаҳриёрий пардасиға дохил бўлди. Амир ҳам таъзим юзасидан рифъатпаноҳ сарой саҳниға чиқди ва улар иққаласи учрашдилар. Садоқат ва муҳаббатдан бир-бирларини шафқат бағриға олдилар. Бир муддат шу ҳолатда туриб, мисрлик ой канъонлик қуёш билан учрашгандек бўлдилар. Ширин сўзларни тилларига келтириб фасоҳат билан ҳол-аҳвол сўрадилар. Бошқаси ҳам латофат оғзидан болдек сўзлар айтиб, аҳвол сўраб, кўнгил кўтарарди. Бир-бирларининг муҳаббат ва садоқатларидан хабардор бўлгач, бир-бирларига туғишган ака ва укадек бўлиб, дил зироатида муҳаббат ва шафқат уруғи илдиз отганидан бир вақтда таъзим бажо келтиришни камол ҳаддиға етказдилар. (Тўра) бориб амирлар қаторининг энг бошиға бориб турди. Амир таъзим тартиби ва одобини сўзсиз бажариб, ёнидан тўраға жой берди. Қолган улуғ саййидлар ва ҳурматли амирларни мартаба ва мақомларига қараб, даража ва рутбаларига мос тарзда белигиланган ўринлардан жой беришди. Шундан кейин турли неъматлардан иборат хоқонлик дастурхонини ўртаға тўшадилар. Таом ва каломдан кейин барчаға рухсат берган амир бир баландликда хайма ва хиргоҳ уриб, катта иззат билан тўрани унга туширди.

Шу кечаси умаро ва *саркардалар* маслаҳат қилиб, Тўрани дорул-аморатға олиб бориб, Марғинонда ҳоким қилишға ва бошқа ишончли давлатхоҳни тўра ўрниға Ўратепаға ҳоким этишға

қарор қилдилар. Давлатхоҳларнинг маслаҳати амирга маъқул бўлди. Ўратепани Ражаб қўшбегига топширдилар. Маҳмудхон тўрани олиб, катта давлат билан қайтиб тез фурсатда дорул-аморатни ташриф билан сарафроз этдилар.

Андак замондан кейин Хулика авлодларидан бири, юз ва қирқ жамоаларининг мирларидан Муҳаммадраҳим *оталиқ*³⁰⁸², келиб Ўратепа ичига кирди ва уни эгаллаб Ражаб қўшбегига киши юбориб, // 42^a Муғ аркини унга топширишни талаб қилди. Мазкур қўшбегу бир кун келиб яна жанг қилишни ўзига эп кўрмай, оқибатда Муғ аркини ташлаб, дорус-салтанатга йўл олди.

Ражаб қўшбегу келиши билан амир кўнглида хавотир ва хотирига малоллик келди. Сипоҳ халқи айтардиларки, Ражаб қўшбегу ва Муҳаммадраҳим *оталиқ* Бухорода бирга бўлганларида ўзаро иттифоқ ва ошнолик тарҳини тузиб, аҳду вафони ўртада мустаҳкам тузган эканлар. Мазкур *Қўшбегу оталиққа* ваъда қилган эканки, қачон Хўқандга қайтсам ва амири Хўқанд қабулига шараф топсам, уни Ўратепа ҳокимига қарши тарғиб ва ташвиқ қилурман. Агарда амир бу маслаҳатни қабул қилса, Ўратепани кўлга киритиши билан бу вилоят ҳукумати менга берса керак. Аллоҳ иродаси шунга мувофиқат, қилса ул вилоятнинг ҳукумати бизга тааллуқ топса ажаб эмас. Шунда сиз бизнинг устимизга босиб келасиз ва Ўратепага кирганингизда бир тадбир ишлатиб уни сизга топшириб, чиқиб кетаман. Оқибат шу берган ваъдасига вафо қилиб Муҳаммадраҳим *оталиққа* Ўратепани бериб келибди.

Алқисса, халойиқ ва сипоҳийларни шундай гап-сўзлари амир қулоғига етиб борибди. Тахтга ўтиришнинг ўнинчи йили Эрназарбек *девонбегуни* Тўрақўрғонда ҳоким қилиб, Ражаб қўшбегуни унинг хизматига юборишди. Эрназарбек орқасидан мулозим юбориб, мазкур Ражаб қўшбегуни ўлдиришини Эрназарбекка буюриб ўлдирдилар ва унинг жасадини дарёга ташлатгирдилар. Бошқаларга нисбатан нима амал қилган бўлса киши ажрини топади.

Назм:

Айни ба раҳе дид яке кушта фитода,
Ҳайрон шуда бикўфт ба дандон сарангушт.
Гуфто, ки киро кушти, ки то кушта шуди зор,
То боз кужо кушта шавад он ки туро кушт.
Ангушт мабар ранжа ба дар кўфтани халқ,
То кас набарад ранж ба дар кўфтанат мушт.

Тахтга ўтиришининг ўн биринчи йили ўз бародари Олимхон қизини Маҳмудхон тўра Аҳрорийнинг ўғли Саййидхон тўрага никоҳлаб беришди.

Ўн иккинчи йили Бозорқул *меҳтар*ким, амирнинг яқин қули ва одобли *надим*ларидан бўлиб, афғон, тоғлиқ ва понғозийларнинг туғи унинг қўл остида эди, кеча ва кундуз амир билан бирга бўлиб, пойтахт ҳукумати унинг қўлида эди. Мазкур *меҳтар* Исфара дарвозаси маҳалласи ва Бекбачча маҳалласи орасидан бир ҳовли сотиб олиб, уни тартибга келтириб қурилишдан кейин амирни меҳмонга чақириб олиб келди. Ўз уйидан Янги ўрдагача ерга кимхоб ва атласдан пойандоз тўшаб, амир бошига тилла ва кумуш тангаларни сочиб, катта салтанат ва кўрилмаган шавкат билан ҳовлисига туширди. Ўн икки кун амир шу ерда истиқомат қилиб, барча сипоҳ ва *галабаҳодирларга* кийим улашди. Пойтахтдаги барча уламо ва фузалосига, барча маҳаллаларнинг *оқсоқолларига* сарполар бериб, шу ерда яшамокчи бўлди. Бироқ, бир оғирлик унга тегди ва кундан-кунга хасталиги оғирлашиб, аҳволи ёмонлашди. Ночор амирни дорул-аморат қасрига олиб кетдилар. Уч кун у ерда оғир дард азобини тортиб, бу оламдан нариги оламга кўчди. Оламни нола ва фиғон босиб кетди.

Назм:

Карда аз ҳасрат фиғонҳо нолаи вовайлато,
Ходимони салтанат бо гиряи во ҳасрато.
Рўйҳо аз шиддати сўзиш биканда *маҳрамон*,
Гуфта то чоки гиребон нолаю во ҳазрато.
Гесувони анбарин карда парешон гулрухон,
Жумла мегуфтанд акнун зебу хусн аз мо хато.
Нола бонуи ҳарам мекард чун товуси хулд,
Тожи маъжар бар замин зад рух бикард ҳамчун ҳино.
Навниҳоли сарви озодаш бишуд аз бори ғам,
Чун Зулайҳо аз фироқи Юсуфи Канъон ду қабо.
Домани аркони давлат сурх шуд аз оби чашм,

³⁰⁸² Оталик/Оталиқ – тахт эгаси ёки ворисининг ота ўрнидаги маслаҳатчиси, мураббийси (регент). У(лар) давлатда энг кучли бўлган қабила бошлиқлари ёки ижтимоий табақа вакилларидан тайинланган.

Об шуд хуни жигар аз чашмаҳои чашми мо.
Олимону зоҳидон дар ҳасраташ хуни жигар,
Рехтанд аз чашмаҳои чашм тўфони бако.
Мардумон дар кўчаву бозор ёди ҳасраташ,
Карда мерозиданд гардида сетову дуто.
Он қадар бозори таъзият бишуд гарм аз фиғон,
Вурчаки савдоиёни нола пур шуд аз азо.
Эй Ниёзий, давлати султон Худо ёри талаб,
Аз туфайлаш зикри шоҳон шуд дар ин вақте адо.

(Умархон)нинг фархундафаржом замони ва майманатанжом асрида бўлган уламолар, мударрислар ва яхшилар қуйидагилар бўлган: Зокирхўжа эшон *шайхулислом*³⁰⁸³ Намангоний, Мавлавий Намангоний, Домла Мирзойи *қозии калон*, ҳазрати домла Мўминжон, ҳазрати Абдулкарим, ҳазрати домла Махзуми Зард, ҳазрати Мавлавий Кобули, ҳазрати домла Ориф, ҳазрати домла Қози Бобохўжа марҳумийлар алайҳирраҳма. Салтанат маъракаи ва амирлик тахтида, султон мажлиси ва хоқонлик йиғилишида булар бирга эдилар: Бухоро амирзодаси амир Шоҳмурод ўғли, амир Ҳайдарнинг укаси Исҳоқбек деган, Султонхон тўра Аҳрорий ва Маҳмудхон тўра Аҳрорий, Маъсумхон тўра Махдуми Аъзамий – амир ал-муслиминнинг синглиси Офтобнинг эри, Хўжа калон Махзуми Аъзамий, Эшонхон тўраҳон тўра, Жаҳонгирхон тўра Саййидофоқий. Булар барчалари амир ал-муслиминнинг ҳаммажлиси эдилар.

Султонлик ишлари ва хоқонлик муомилотида нимаики, шакар нишли амирнинг тилида жорий бўлса, ҳаммасини уламо диққатига ҳавола қиларди. Улар қабул //43^б қилиб, мужтаҳид олимларнинг иттифоқи билан фатво берсалар, шариат аҳкомлари асосида жорий қиларди. Ҳар вақт ва ҳар замонда унинг мажлисида муҳаққиқ олимлар қатнашардилар. Уламо ва фузало иштирокисиз мажлиси бўлмасди. Амалсиз олимлардан парҳез қиларди. Подшоҳлик ишлари ва шоҳаншоҳлик амрида омий *саркардалар* ва ғултабиат амирлар, жаҳли мураккаб кишилари билан мажлис қурмасди. Аксар муҳаққиқ фузало ва мудаққиқ шуаро билан ўтирарди.

Мавлавий Намангонийнинг одати шу эдики, кўпинча шариат ҳукмларини тушунтириш, панд ва насиҳат учун адолат паноҳли амир ҳузурига келиб, шаҳаншоҳлик мажлисини бахт келтирувчи қадами ташрифи билан мушарраф қиларди ва султон мажлисини ўз нуруний вужуди билан қудсийлар манзилгоҳига айлантитарди.

Покзамир ва соҳибдиёнат фатонатли амир Мавлавийи алавий мартабасининг ҳурмат ва иззатини жойига қўйиб, яланг оёқ ҳолда уни кутиб оларди ва уни мажлис тўрига ўтқазиб, ҳурмат билан жойига ўтиргизарди. Еб-ичишлардан сўнг султонлик дастурхони орадан кўтарилгач, Мавлавий бир соат сукут сақлаб хомуш бўлардилар. Амир соқчиси ва бошқа мажлисдагилар қўлларини одоб билан кўкракларига қўйиб, одоб сақлашга ҳаракат қилиб жимгина ўтирардилар. Бир вақт сукутдан бош кўтариб, муборак оғизларидан шавқ кўпиғи кўпириб чиқиб, ҳол таважжуҳи ва қол тили билан маърифат дарёсида ғарқ бўлиб, ўғит гавҳарлари ва насиҳат жавҳарларини олиб чиқиб, гавҳар қадрини биладиганлар ва гавҳарларни қиммат оладиганлар олдиға сочиб ташлардилар. Дердиларки, эй амир! Мулк кимдан ва аҳволинг қандай? Осмон баландлигидан доим айланади, Ер эса пастлигидан доим ором ва барқарордир. Баландлик беқарорликка сабаб, беқарорлик эса юксакликка сабаб. Беқарорлик осмонни пастлик ва пастликлар тарбияси учун баланд қилган, пастликни пастлиги жиҳатидан ором ва тинч қилган. Сени ҳазрати Жаводи Бахшанда (Кечирувчи) Аллоҳ барча халойиқдан устун қўйиб мумтоз этган ва ҳаммани сени итоатингга киритган. Сени сарафроз этиб, азиз бошингни султонлик тожи билан ораста қилган. Ўзининг каломи ло райбида «Аллоҳға итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни, мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз»³⁰⁸⁴, деб хабар берганидан мақсад адолатшиор аҳли исломдан бўлган подшоҳлар ва муҳаққиқ олимлардир. Барча халойиқни сенинг итоатингга вожиб қилгани бунга далилдир. Энди шариат ҳукмларига уларни таблиғ этиб, жорий этишинг, бидъат ва хўрликни //44^а улардан узоклаштиришинг лозим. Шафқат ва меҳрибончилик билан уламо ва фузало устидан ҳукм суришинг жоиз. Фуқарони шариат сиёсати ва жоҳилларни насиҳат ва ўғит билан ислоҳга келтиришинг керак. Кеча ва кундуз бу айлана чарх ер ғамида айланар, сен ҳам унга ўхшаб ўз кўл остидагиларингни тарбиясига кўшиш этгин. Бу беш кунлик давлат билан ғурурланма. Фалакка ўхшаб тинчликни

³⁰⁸³ Шайх ул-ислом – давлатда мусулмон жамоасининг бошлиғи. Ўзларини саййид ва хўжалар деганлардан тайинланган.

³⁰⁸⁴ Қуръони карим, 4:59.

унутиб, халойиқ тарбиясида қойим бўлсанг ғафлат ва оромликдан узоқлашасан, мартабанг баланд курси(арш)дан ҳам ўтади.

Нур таратувчи манглайингдан умидимиз шулки, қиёмат куни ўзингни ва асрингдаги уламоларни ҳазрати Молики явмид-дин олдида шарманда қилмассан. Агарда ўша ҳайбатли куни ва салобатли соатда санинг ишинг хайрият билан тугаса, уламо ва тобеингдагиларнинг иши ҳам яхши якун топажак. Шафқатли ва адолатли бўлгинки, “бир соатлик адолат кўп ибодатдан яхши” деган сўзлар шу фазилатнинг раҳнамосидир. Зулмандиша ва бидъатчи бўлмагинки, “Аллоҳ золим кишиларни ҳидоят сари йўлламагай”³⁰⁸⁵ дегани бу фикрга далилдир.

Амир бу жоннавоз маърифатлардан ва бу дилгудоз ваъзлардан бўшашиб, зор-зор йиғларди. Латиф жигари эзилиб, сурмасой кўзларидан кўз ёшлари сувдек оқарди.

Назм:

Хуш он шоҳе, ки чашми сурмасояш,
Зи тарси Ҳақ ба доман лаъл резад.
Гуҳарҳои насихат гўши жонаш,
Шунида дар паноҳи Ҳақ гурезад.
Бувад як қатра оби чашми шоҳон,
Хуш зи чашме аз он тўфон бихезад.
Ба даргоҳаш сари худро кунад ҳам,
Сарашро лутфи Ҳақ раҳмат бирезад.
Дар чашм бимоли хоки пойи он чунон шах,
Ту ки сурма ба чашмат ашк резад.
Халойиқ раст аз дасти тазаллум,
На ҳадде, ки ба кас золим ситезад.

Ҳазрати Мавлавий Махдуми марҳумий ўзича ўйладиларки, “шунча панд ва насихат, ваъзларни амиру вазирлар, кабиру сағир хушлари қулоғига қуймоқдамиз. Қулоқларига булар кирганми ёки йўқ?! Имтиҳон керак, уларни...” дея Мавлавий айнаи хаёлда бироз хомуш тортиб, сўрадилар: “Нима ҳақида сўзлаётгандим?”. Амири хушпазир дарҳол жавоб бердики, “султонларнинг адли ва шафқати ҳақида сўз борарди”. Мавлавий айтдиларки: “Эй амир! Бу сўроқ имтиҳон тариқасида берилди. Насихат ва маърифатга қобилмисиз ёки йўқ, шуни билмоқчи эдим. Алҳамдулиллоҳ, қобилият ва диққат мақомида бўлиб, ваъзимни эшитаётган экансиз. Ҳокимларнинг ҳокими бўлмиш Аллоҳдан сизни адолатли ва фуқаропарвар султонлар // 44^б қаторидан чиқармаслигини умид қилиб сўрайман”. Амирни кўнгли эзилиб, йиғлай бошлади. Ўзини тута олмади. Барча мажлисдагилар ҳам кўп йиғладилар. Мавлавий ваъз мажлисини кўп дуо ва тилаклар билан тугатиб, жойидан турмоқчи эдики, хазиначилар бир неча фоҳира либосларни олиб чиқиб устига ташладилар. Мавлавий туриб кетишга қасд қилди. Амир ташқаригача яланг оёқ уни кузатиб, қайтишда дуо олиб ҳарамига кириб келди. Амир ўзининг қимматли умрини, кўпинча, уламо ва шайхлар, улуғ саййидлар ва киромий хўжаларга сарф қиларди. Оқибат тахтга ўтиришининг ўн иккинчи йили касалга чалиниб, оламдан ўтди. Ўлганини бир кеча-кундуз сир сақлаб, барча давлатхоҳлар, улуғ *саркардалар* йиғилишиб, бутун маслаҳатни катта рағбат билан Умархоннинг ўн тўрт ёшли ўғли Муҳаммадалихонга қаратдилар. Уни олиб келиб салтанат тахтига ўтқазиб, хон кўтардилар. Шундан кейин йиғи ва сиғи овози мовий фалакка кўтарилганида халойиққа (Умархоннинг ўлими) маълум бўлди. Ҳамма уламо, машойих ва улуғ саййидлар, хурматга лойиқ хўжалар, вилоятлар ва маҳаллалар оқсоқоллари амирлик қасри бўлмиш Ўрданинг ичкари ва ташқарисини бозор ва Жоме масжидигача тўлдирдилар. Халойиқ кўплигидан бозор ва Чорсу йўли ёпилди. Барча вазирлар, *надимлар*, *туғчилар*, яқинлар ва *маҳрамлар*, ғулому аскарлар мотам тутиб, қўлларида ҳасса амир жасадини кўтариб чиқдилар. Йиғи-сиғи ва доду фарёд кўплигидан қулоқлар эшитмай қолди. Оқибат *ясовуллар* ёрдамида жаноза ўқилди ва ўликни дорул-аморат дарвозасидан олиб чиқдилар. Гўё қиёмати сағир барпо бўлди. Минг машаққат билан қабристонга олиб бориб, латофатли вужудини тупрокқа топширдилар.

Муҳаммадалихон ибни Умархоннинг тахтга жулуси ва салтанати давридаги воқеалари

Тез жиловли ва хўл забонли қаламнинг оти, тезсуръат хоманинг улоғи варақ майдонида йўртиб чиқиб ёзадик, Умархон асоси заиф ва оммага ошною хосларга бегона бўлган бу тахтгоҳ билан видолашганида латиф жасади ва зарофатли вужудини бир кечаю кундуз ҳарамда махфий сақлаб, барча вазирлар ва *надимлар*, *саркардалар* йиғилишиб олиб, Фурқон китобини ўртага қўйиб аҳду

³⁰⁸⁵ Қуръони карим, 2:258.

паймон қилишиб, қасам ичдилар ва Муҳаммадалихонни ўн тўрт ёшида // 45^а подшоҳлик рамзи бўлмиш оқ кигизга солиб, отаси ўрнига хон кўтардилар. Юсуф *мингбоши* тоғлик Муҳаммадалихоннинг қайнотаси, *саркардалар* ва амирларнинг сараси ва етакчиси эди. У мазкур Муҳаммадалини хон тахтига кўтариб, ишончли мулозимларни унинг атрофига қўйиб, қўриқлашни тайинлади ва шундан кейингина амир вафот қилганини маълум қилишди. Ўша мотам либоси кийганлар кунни мусибатли қора тунга айлантдилар. Таъзияга келганларнинг йиғлашларидан кўк кийган қари чарх ҳам Сомон йўлидаги оқ сочларини паришон айлаб, сочлари тарқоқ аёллар каби боши эгик айлана бошлади. Ҳамма уламо, фузало, содоти уззом, хожағони зул-эҳтиром, саодатанжом кубаро ва некуном умаро, *ходим* ва ҳашам, жами аскар ва лашкар, мусофир ва шаҳарли йиғилишиб олиб, жаноза намозини ўқиб, жасадини кўтариб кетишганларида кўчаю бозор, эшигу томдан мовийранг фалакка эркагу аёл доду фарёди кўтарилди. Ҳар бир киши бир куй билан нола ва зорий қилиб, йиғларди. Юсуф *мингбоши* Қошғарий, Муҳаммадалихоннинг қайнотаси, ўзини тилка-пора қилгандай бўлиб, хослар ва осмонга тенг саройнинг барча *ғалабаҳодирлари* билан ҳассаларни қўлга олиб нола ва зорий қиларди.

Назм:

Аз он ғавғои пурсўзи надомат,
Ба жўш омад хурўши сад қиёмат.
Ба чандин ҳашр дар ҳар кунжи роҳаш,
Шуд пайдо қиёмат 3-ин аломат.
Аломатҳои гуногун дар ин роҳ,
Шуда зоҳир чу нашри бо салобат.
Зану мардон ҳама нолону гўён,
Ҳаме гуфтанд, ки эй соҳибкаронат,
Ту рафти ном боқи карам монд,
Дар ин олам умиди бо малоҳат.
Роқим, ту аз ин ғавғои пуршўр,
Зи сад як гуфти ва карди ғиромат.

Фарёду фиғон ва нолаю йиғи билан Дахмаи шоҳони номдор мақбарасида, ота ва онаси ёнида эшиксиз тупроқли хонага султонлик ва хоқонлик об-ҳавосида ўсган, давлат ва ҳурмат ёстиғида таяниб улғайган латиф вужудини қоғоздек ҳарир ва енгсиз нафис кўйлак билан ўраб, тийра тупроқ тагига, нам ертўла ичига қўйиб, тупроқдан ёстик, ғамнок ердан ётоқ қилиб ётқиздилар. Ул зулматли хона эшигини ёпиб, қоп-қоронғи қилиб, унинг устига тупроқни баланд қилиб тортдилар. Кейин ҳасрат билан Қуръони шариф ва Фурқони латиф тиловатини қилиб қайтдилар. Султонлик қароргоҳига келиб қарор топдилар. Эски дастурларга мувофиқ ҳар ким ўз амаллари билан машғул бўла бошлади.

Назм:

Русуми сарвари куҳан инчунин,
Ба тахт аввал орад, занад бар замин.
Ба аввал варо тож бар сар кунад,
Бар он сар кашад хок //45^б ба рўзи пасин.
Кужо он вазирони *маҳрамсаро*,
Бипурсанд аҳвол бе ҳамнишин.
Шабу рўз буданд варо посдор,
Кужоянд таманно ба хок инчунин.
Сахо хуш аст шоҳро номи нек,
Ба олам намонад на шаҳ (на) ғайр аз ин.

От йили 1239/1823 йили, куз фазлида Муҳаммадалихонни ҳукмронлик тахтига кўтардилар. Қўй йили, тахтга чиқишнинг иккинчи йили Умархоннинг синглиси ва Муҳаммадалихоннинг аммаси Ойчучукойимнинг ўғли Исҳоқ тўрани Тўрақўрғонга волий ва ҳоким этдилар. Жулуснинг учинчи йили мазкур тўранинг қинғир-қийшиқ ишларидан ваҳимага тушиб, Бухорога чиқариб юбордилар. Шу йили Юсуф *мингбоши*га Марғинон ҳукуматини бердилар. Ҳаққули юзни эса *мингбошилик* амали билан бошини осмонга етказдилар.

Ҳазрати Соҳибзоданинг³⁰⁸⁶ Бухородан келиш йили мазкур йилда эди. Бул тариқат чўлининг йўлловчиси, шариат йўлбошчиси, гумроҳларнинг ходийси, равон йўлнинг Махдийси, матлуби тойиб, яъни ҳазрати Соҳибни Хўқандга кириб келиши таъриhini зарифлардан бири бўлмиш Ниёзмухаммад дегани топиб, назм ипига тортган. **Назм:**

Дар замоне, ки Муҳаммадалихон ибн Умар,
Буд волии Фарғона шаҳи ҳукмдон.
Тарки сукной Бухоро ҳазрати Соҳиб карда,
Кард меҳру фалак шуруъ дар ин мулку макон.
Соли таърих ҳазору ду саду чихилу ду,
Ёфт ин мулк шараф аз кудуми қутби замон.

Жулуснинг тўртинчи йили Умархон синглиси Офтоб ойимнинг эри Маъсумхон тўрани ҳам шаҳардан чиқариб юборди.

Жулуснинг бешинчи йилида эса, Ёрмозор орқали Юсуф *мингбошини* ҳам чиқариб ҳажга юборди. Йўлда у бу оламдан ўтди.

Олтинчи йили Офтобойим, Муҳаммадалихоннинг аммаси ҳам бу оламни тарк этди.

Жулуснинг еттинчи йили Эрназарбек *девонбеги* ва Хушвақт қўшинбегини қатл қилди.

Саккизинчи йили Исобек Андижонийни дорус-салтанат *меҳтарлиги* билан сарафроз этдилар. Қўшин ва фуқаро ичида барча бидъат ва норозиликни келтирадиган киши Хулика авлодидан шу эди.

Шу йили сой бўйида Мирзо Ёдгор қўли билан қурилган Мадрасаи Хон қуриб битказилди. Фузалолардан бири унинг таъриhini шундай топган:

Гуфтам ба хирад дар пайи таърих бикўш,
Гуфто, ки ҳазору ду саду чихилу шаш (1246/1830–1831).

Жулуснинг тўққизинчи йили Бузургхон тўра³⁰⁸⁷ ибн Жаҳонгирхон бир неча минг хўқандлик ва қошғарлик билан Хўқанддан қочиб Кошғар³⁰⁸⁸ га кириб борди.

Ўнинчи йили Исобек *меҳтар* Андижоний ҳам қочиб, Кошғарга борди ва Бузургхон тўрани хитойликларнинг Гулбоғ³⁰⁸⁹ қалъасини қамал қилишга қаттиқ тарғиб қиларди.

Ўн биринчи йили Муҳаммадалихон ва давлат устунларининг ғайратлари вужудларида жўш уриб, ғазот учун қўшин йиғиш пайига тушдилар. Улар “Шундай султонлик дабдаба // 46^a ва шунча хоқонлик асъаси билан имиллаб ғафлатда қолсак, номдорлик доирасидан ва ишбилармонлик каторидан тушиб қоламиз. Бир бетажаммул хўжа бир нечта авбоши бебоши билан кофирларнинг қалъасини муҳосира қилиши, вилоятни босиб олиш даъвосида хонлик ноғораси садосини баланд кўтариб, бир мулкни эгалаши маҳол ишдир. Бошқа тарафдан агарда буларга ғалаба насиб этса, кофирларнинг бир неча йиллик хазинаси авбошия халқи қўлига тушиб торож бўлади. Шунча молу бойликни қўлга олиб, авбош ва бебош халқ тарқалиб кетади. Хитой катта қўшини билан келиб даъво қилса, ўшанда хазинани қайтариш лозим бўлади. Тарқоқ *оломон* ислом вилояти хазинасига талафот етказадилар ва вилоят фатаротга юз тутаяди. Яхшиси, подшоҳлик ҳиммати ва жамияти, шоҳаншоҳлик иззати ва номусидан келиб чиқиб, бу вилоятга борайлик ва уни талафот қўлидан олиб қутқарайлик. Бузургхон тўра бу вилоят саранжомидан ожизлик қилмоқда. Тез орада хитойликлар унинг устига етиб келадилар. Ноилож у қочишга юзланади. Хитойликлар билан муомала қилишимизга тўғри келади. Хожагон аслида шу осмонўпар саройда тарбия топганлар. Шунинг учун хожаларнинг нисбати бизга мансуб. Энг яхши маслаҳат шуки, ғазот нияти билан зафарасар қўшинни Қошғар устига юбориб, уни тасарруф этсак. Агарда уни ўз тасарруфимизга олсак, бу савоб ва ғазот саналади”, деб бир қарорга келдилар.

Лашкарни йиғиб бир қисм қўшинни пойтахтда қолдириб, Қошғар сари азм этдилар. Тез фурсатда довондан ўтиб, Қошғар ҳудудига кирдилар. Бузургхон тўра бир неча минг қашғарлик билан истиқболга чиқиб, от устида туриб хон билан учрашди ва подшоҳлик таъзимини бажариб, ҳол-аҳвол сўради. Қайтиб кетиб, Муҳаммадалихонни бир катта ва кенг боғда қўш уришини буюрди. Ўша вақтда хитойликларнинг Гулбоғ қалъаси Қошғар шаҳри ичида эди ва қошғарликлар уни қамалга олгандилар.

³⁰⁸⁶ Миён Халил ҳазрат Соҳибзода – ваф. 1285/1868–1869 йили. Уламо ва дипломат. Пешоварда туғилган. Ҳаждан кейин Қозон шаҳрига келган. Бу ерда татар уламоларидан бири бўлган Мулло Фатхуллоҳ (1767–1843) қизи Фотимага уйланган. 1814–1842 йиллари Қўқондан Россияга элчи бўлиб борган. 1862 йилгача Тошкентда яшаган. Жияни Миён Фазл Аҳмад Бузург хожи билан Бухорога кетган ва амир Музаффар ҳузурида бўлиб, шу ерда вафот этган.

³⁰⁸⁷ Бузургхон тўра (1824–1877) – Жаҳонгирхон тўра ибн Солиххон тўра ибн Саййид Оффоқхўжа ўғли. Қошғарнинг қўғирчоқ ҳукмдори (1865–1867). 1867 йили ҳаж сафаридан кейин Кашмир, Панжоб ва Бухорода бўлиб, Қўқон яқинидаги ҳозирги Кинагез қишлоғига келиб яшаган.

³⁰⁸⁸ Қошғар – Хитойнинг Синьцзян-Уйғур мухтор республикасидаги шаҳар.

³⁰⁸⁹ Гулбоғ, қалъа – Қошғар шаҳрининг ички қалъаси. Ҳоким қароргоҳи бўлган.

Эртаси таъзим ва одоб русумидан келиб чиқиб, Бузургхон кошғарликларни Гулбоғ қамалидан олиб, Андижон қўшинига қамал ишини топширди. Кошғарликлар бу амрни эшитиб, Гулбоғ қамалидан қўл тортдилар. Хон ва Андижон қўшини Гулбоғ қалъасини қўлга олиш учун, жидду жаҳд кўрсатиб, Гулбоғ қалъаси деворлари тагига дору қўйиб, унга ўт бердилар. Қалъа деворининг бир тарафи ҳавога отилиб, тўрт томонга сочилиб кетди. Тош ва тупроқ дору тутуни билан аралашиб, кунни қора тунга айлантди. Шу вақтда бирдан ғозий аскарлари ва ислом ботирлари шамъ кўрган парвона ва сурув кўрган бўридек ўзларини қалъага урдилар. Гулбоғ қалъаси ичидаги кофирлар мусулмонларни раҳна қилган қалъа деворидан ғалаба билан бостириб қирганларини билиб, уларнинг йўлини тўсиб жангга кирдилар ва хитой жазоирини ва тўпларидан ўқ ота бошладилар // 46^б. Қалъа ташқарисидан мусулмонлар ҳам тўп ва жазоирдан отишни бошладилар. Бироқ, жангнинг оқибати мағлубият билан тамом бўлди.

Мусулмонларнинг такбир айтиш овозлари мовий гунбаз ва ҳаракатчан фалакка етиб, юқори оламни жўш ва хурўшга келтирди. Кофир ва мусулмон бир-бири билан аралашиб, шундай муҳораба ва муқоталани бошладиларки, ер томиридан қон қайнаб чиқди. Ҳар бир мағора ва тешиқдан қизил хун чашмаси балқиб чиқди. Қалъа деворига мусулмон *сарбозлар* узун нарвонларни қўйиб, қалъага кирмоқчи бўлдилар. Қалъа ичидан тўпу тўфанг, тошу кесаклар, оташсўз нафт билан отардилар. Жангнинг ғулғула овози мовий гунбазга етиб бориб, осмондагиларни беҳузур қилди.

Назм:

Ва рўзе ҳиммати оли ба нардбони қазо,
Қадам ниҳода ҳазбарон бидод сар ба ризо.
Ба зарби дасти далирон теғи хунрези,
Саросар ҳама қалъа шуд гули ҳамро,
Кужост Баҳману Сухроб, Золу Рустами Ял,
Бидиди тигзаниҳо ва тўтии хун ба ҳаво.
Шудаст жумла шаҳидон шаҳиди рўйи замин,
Шаҳодат ҳамаи ин ба пояи боло.
Ба ғайри жумла шаҳидон зумраи асҳоб,
Ба ғайри ташналабон шаҳидони Карбало.
На ҳадд маро, ки бигўям зи рутбаи хосон,
Сивои ин ҳама хосон кунун кунам ман адо.
Аксар вақт васфи шаҳидони Кошғар гўй,
Ки кардаанд ҳама сарҳои худ фидои Худо.

Гулбоғ қалъасининг усти ва раҳнасидан (хитойликлар) уч марта мусулмонларни ерга тушурилиб, раҳнадан ҳайдадилар. Тўртинчи марта хони ғозий қарадики, шаҳидлар ва яраланганлар кўпайиб кетиб, раҳна солган жой ҳам тўсилган. Кўнгли бузилиб, йиғлашни бошлади ва “ўликлар ва захмийларни олиб чиқинг, қўшинни ҳам қайтаринг. Бу шерларнинг бир тирноғи Кошғардек юзта шаҳарга тенгдир”, деб буйруқ берди. Ҳамма ўлган ва яраланганларни қалъа олдидан олиб чиқиб, аскарлар ҳам қамалдан қўл тортиб, келиб ўз қўшларида ором бўлдилар. Бир ҳафта шу ерда туриб, ҳамма ўликларни ҳазрати Офокхўжа³⁰⁹⁰ қабристонига кўмиб, яраланганларини бирга олиб Жаҳонгирхонга фотиҳа бериб қайтдилар. Тез кунда мулк пойтахти бўлмиш Хўқандга етиб келиб дорул-аморатга кирдилар.

Бир ойдан кейин Бузургхоннинг Фотиҳ ал-абвоб инояти билан Гулбоғни фатҳ этгани хабари мулозимлари орқали хонга етказилди.

Жулуснинг ўн иккинчи йили Хитой келиб Кошғарни Бузургхон тасарруфи кўлидан қайтариб олди. Бузургхон бир неча минг кошғарлик билан бесару по бўлиб, бутун авлоди билан чиқиб келди.

Жулуснинг ўн учинчи йили // 47^а Ўратепа фатҳ бўлди.

³⁰⁹⁰ Офокхўжа/Оппокхўжа (1625, Кумул, Шарқий Туркистон – 1695, Қўқўн қишлоғи, Қашқар вилояти) – ислом илми ва тасаввуфнинг йирик тарғиботчиларидан бири ва Ёркент хонлигида тахтда ўтирган хўжаларнинг дастлабкиси. Туркистон тасаввуф илмининг раҳнамоларидан Махдуми Аъзамнинг авлоди. Оппокхўжанинг исми Ҳидоятуллоҳ бўлиб, у халқ орасида ҳурмат белгиси бўлган «Офок» («Ёруғ дунё» ёки «ёруғлик эгаси»)–хўжа номи билан машҳурдир. У ёшлигида отаси Муҳаммадйусуф ибн Эшон Калон билан турли шаҳарларда юриб билим ва тарбия олган. 1638 й.да Қашқарга келиб, отаси вафотидан сўнг бу ердаги Оқтоғлик хўжаларга бош бўлган. 1670 й.да Ёркент хонлигида юз берган ички курашлар натижасида Оппокхўжа Қашқарни тарк этиб Туркистон шаҳарларида, қалмоқлар (ойротлар) орасида ва Хэши йўлагидаги (Хэси-цзоулан) вилоятларда диний тарғибот ишлари билан шуғулланган. 1678 й.да Тибетга бориб, у ерда икки йилга яқин яшаган ва Будда дини вакиллари билан яқин алоқада бўлган. 1680 й. Тибет зодагонлари ёрдамида ойротлар хони билан танишган. 1681 й.да қалмоқлар томонидан Ёркент хонлиги тахтига ўтказилган. Унинг жасади Ёғду деб номланган жойдаги ота-бувалари қабри ёнига дафн этилган.

Ўн тўртинчи йилида Абдурахмон *шарбатдор* ва Домла Эрناзар бой ҳадя ва кўп қумошлар билан Рум (Туркия)га ҳазрати халифа ҳузурига элчи сифатида юборилди.

Жулуснинг ўн бешинчи йили элчилар халифа ҳузуридан сарафроз бўлиб нафис ҳадялар ва бой матолар билан рухсат олиб қайтдилар. Ўш давомида Абдурахмон *шарбатдор* бу оламдан ўтди. Халифанинг Муҳаммадалихонга кўрсатилган лутф ва меҳрибончилигини Домла Эрназар келиб арз қилди ва халифа бериб юборган шаҳаншоҳлик либосини мажлиси олда таъзими тамом билан хонга кийдирди. Шу муборак либос ҳурмати учун хон ҳамма вузаро ва умарога, ому хосга фоҳира либослар кийдириб, тўй барпо этиб, барча фуқарога ош тортди.

Жулуснинг ўн олтинчи йили Кошғарга ғазот учун беадад кўшин ва беҳад лашкар йиғиб, Хитой ғазотига юзландилар. Тўрт кундан кейин Ўшдаги файзжўш мазорда кўниб, шул аршостон маконда уч кун истиқомат қилиб турди. Барча давлат арконлари ва салтанат аъёнлари маслаҳат қилиб, Муҳаммадалихонни катта давлат билан дорул-аморатга қайтариб, Ҳаққули *мингбоши* ва Муҳаммадшариф *оталиқ*ни кўшин *саркардаси* ва амир лашкари этиб, хон ижозати билан Кошғарга юбормоқчи бўлдилар. Бу фикрни хон ҳам қабул қилиб, кўшинга фотиҳа берди. Кейин яна бир кун Ўшда қолиб, Муҳаммадалихон хос *баҳодирлар* ва хоса *мерганлар* ҳамда *маҳрамлари* билан қайтиб келиб Андижонга кўнди. Андижон, Шаҳрихон ва Марғинонда жами ўн беш кун истиқомат қилиб, сўнгра пойтахтга келиб тушди.

Хондан фотиҳа олган кўшин тўрт кунда довондан ўтиб, ноғора чалди деган мавзегга келиб кўш урди. Эртаси бориб хитойликларнинг қоровулхонасига ҳужум қилиб босиб олдилар ва хитойлик қоровулларни ҳалок этдилар. Эртасига қарасалар, ўн минг қуролланган хитойлик кофир ислом лашкари йўлини тўсиб, жанг ниятида турибди. Тоғни талқон қилувчи йигитлар ва шамширбоз далир ботирлар қиличларини қиндан суғуриб, галага ўзини урган шер ва сурувга ташланган бўридек ҳужумга ўтдилар. Зум ўтмасдан барча душманни тиғ дамидан ўтказиб, ҳалокатга етказдилар ва баъзиларини асирга олдилар. // 47^б Шу кеча ўша жойда қолиб, эртаси хитойи жазоирлар, қора кўндок милтиқлар, қалмоқий ёйларни асирлар билан бирга дорул-аморатнинг эски ишончли хизматкорлардан бири бўлмиш Танди *иноқ* орқали олижоҳ хон ҳузурига юбордилар. Кўшин эса Кошғарга дохил бўлди.

Муҳаммадалихон амалга оширган биринчи ғазотидан кейин хитойликлар Гулбоғ қалъасини шаҳардан бир фарсанг узоқликда қайтадан бино қилган эдилар. Деворининг баландлиги ўн икки газ, кенглиги ўн беш газ эди. Унинг устида ароба юрарди. Девори намли тупроқдан кўтарилиб, қалъа ичини хитой ва қалмоқ илғори ҳамда асбоб-анжоми билан тўлдирган эди. Улар ҳам ислом лашкари билан жангга шайланиб турардилар. Ислом лашкари Кошғарга дохил бўлган куни вилоятнинг барча аъёнлари чиқиб давлат арконлари билан бир-бир кўришдилар. Ўша кеча вилоят аъёнлари билан маслаҳатлашиб, эртаси отларга миниб Гулбоғ устига келиб кўндилар. Қалъага бир ўк масофа қолганда хайма ва хиргоҳ уриб, чодар ва боргоҳ барпо қилдилар. *Саркардалар* Гулбоғ атрофини ихота қилиб, чим босиб, тўғаноқ кўйиш учун буйруқ олдилар. Ҳар куни бир марта амирлашкарлар чиқиб қалъа атрофини айланиб, сардорлар ва пистирмада ўтирганларга динору дирҳам улашиб, бахшишлар бериб қайтардилар. Гулбоғ атрофида лаҳимлар казиб, Гулбоғ хандақигача етказдилар. Шу ўртада қалъанинг ичкари ва ташқарисидан тўп ва тўфанг овози кўкранг фалакка кўтариларди.

Бир куни чошт вақтида ҳамма ўз кўшларида ғафлат уйқуда бўлган пайти Гулбоғ ичидаги хитойликлар жўшу хурўш кўтардилар. Улар лаҳимларга ўт кўйиб, тўғаноқларни бузиб, баъзи чимли тўғаноқдагиларни шаҳид қилдилар, баъзиларини ярадор қилдилар. Қолганлар қочиб ўз кўшларига ўзларини урдилар. Бу ваҳимали воқеани Ҳаққули *мингбоши* ва Муҳаммадшариф *оталиқ* кўриб, иккалалари бирдан ўз кўшларидан қиличларини қўлга олиб, бир нечта давлатхоҳлари ва *галабаҳодирлар* билан чиқдилар. Ислом аҳли душман томондан шунчасини ҳалокатга етказдиларки, уларнинг ўликлари жанг саҳнида ўтин боғлари каби ётарди ва мубориз жангчилар шу куни кофирларнинг жасадлари устидан юриб, жанг билан машғул бўлдилар. Хитойликлар чекиниб қалъага кирдилар.

Назм:

Зи найзаю шамшери он пурдилон,
Асар нест аз захм бар мурдагон.
Сареро зади сар шуди барқарор,
Зи тезии шамшери пуробдор.
Рагу устухонро буриди чу без,
Гузар карди аз об чун теги тез.
// 48^а Дар он заданди чу Бахроми гўр,
Ба тире тўфанге, ки зад чашми мўр.

Ҳамекўфт бар фарқи кофар табар,
 Далеронро парешон шуди мағзи сар.
 Ҳар он, ки шароби шаҳодат чашид,
 Сурўши саодат варо даррасид.
 Ҳар он, ки зади тиг бар тори сар,
 Ду нима шуди ҳамчунон беи тар.
 Яке найза бар синаи кофирон,
 Ба зўри таковур заданди чунон.
 Чу бигзашта дар синааш як важаб,
 Ба дўзах ҳамерафт нажунбонда лаб.
 Агар буди Искандару Файлакус,
 Ба роҳи далирон шуди хокбўс.
 Дар он рўз Дорои дод рабуди,
 Бад-ин баҳр кай ў шиновар диди?
 Агар буди Сўҳробу Барзуйи ял,
 Ҳамекард, худҳо фидо ин маҳал,
 Вазири амири замон Ҳаққули,
 Сипоҳдор мардониини пурдиле.
 Ба бозуи зўровари тиг зан,
 Сари кофаронро фиканди зи тан.
 Фалак гуфт аҳсан ба бозуи ў,
 Малак карда таҳсин бар бозии ў.
 Дар он жанг *оталиқ* Муҳаммадшариф,
 Муборизи майдон марди ҳариф.
 Зи як сў даромад мисоли паланг,
 Ба бозуи чанголи бабри ба жанг.
 Ба тиге ки мезад ба фарқи сар ў,
 Буриди дубулға чу тиг ҳамчу мў.
 Зади тиг бар китфу долуи ў,
 Ду нима шуди жисми бадбўйи ў.
 Дар он жанг бикарданд аз куштаҳо,
 Бар он сахн аз кофарон пуштаҳо.
 Ҳар он кофаре аз дами тиг раст,
 Либоси мусалмони пўшид жаст.
 Ҳар он кофаре мухтафи ёфт,
 Чу баргашта бар қалъа шитофт.
 Дари қалъаро кофирон хокрез,
 Бикарданд аз тарсу аз тиги тез.
 Қисса кўтаҳ ин қадар бас бувад,
 Зи авсофи онҳо сад як бувад.

Ислом лашкари кофирларни минг азоб билан Гулбоғга кириб боришларини кўрдилар. Шаҳид бўлган ва яраланганларни олиб булар ҳам ўз қўшларига қайтдилар. Шаҳидларни ҳазрати Офок файзанвор мазорида дафн этиб, эртаси шу ерда истиқомат қилдилар. Хитойликлар (бошлиғи) олдига элчи сифатида *миёначи* киргизиб, уларга етказдиларки, агарда сен мусулмонлар устидан ҳукуматингни рафиқлик тарзида ижро этсанг, мусулмонлар орасига кофирлардан бировини сабабсиз киргизмасанг, бу вилоят фоҳишаларидан қўл тортиб, уларни қалъада сақламасанг, унда биз бу ердан кўчиб кетамиз. Акс ҳолда барча лашкар тамоман бошқа ишларини қўйиб, шу ерда қолади ва боқий умрини шу қалъа қамалида ўтказади. Элчи кириб бу сўзларни рисолат тариқасида амру фармойишга биноан арз этди. Кофирларнинг сардори таъзим ва ҳурматни бажариб, амирлар фармойишларини // 48^б ва аҳли ислом истакларини жону дил билан қабул қилиб, нафис ҳадялар билан элчига иззат ва икром кўрсатиб жавоб ва рухсат берди.

Элчи келиб хитойликлар ҳадяларини катталар олдидан ўтказиб, эшитганларини улуғларга арз қилиб берди. *Миёначи* сўзларини эшитиб, кўчиб шаҳар ичига кирдилар. Катта обрўй ва мисли кўрилмаган хурсандчилик билан андак кунда дорул-аморат бўлмиш Хўқандга кириб келиб, осмонўпар остонани ўпиш файзидан баҳраманд бўлдилар

Қўшин Хитой Гулбоғи устида бўлган пайти Муҳаммадраҳим *оталиқ юз*³⁰⁹¹ вақтни ғанимат билиб, Хўқанд қўшинини ғазотга сафарбар бўлганини эшитиб, Ўратепа ичига кириб, Солиххўжа эшон хизматида борди. Шу вақтда Ўратепа ҳокими Шоҳи *қўшбеги* эди. Солиххўжа (Муҳаммадраҳим *оталиқни*) кўнглида мулк таъмаси борлигини кўриб, беасбобу анжом, жанг олатларисиз, хазина ва харажатсиз мулк арусини оғушга босиб бўлмас ва уни тасарруф қилиш амри маҳоллигини ҳам билди.

Назм:

Тасхири мулк вобаста бар таҳаммул аст.
Бар бе таҳаммулон таъмай мулк мушкил аст.
Бе таҳаммул гар касе даъвои султони кунад,
Ин бад он монад, ки кал кокулафшони кунад.

“Ол ва тут” асбобу анжомисиз бу иш муяссар бўлмағай. Бир хушёр мулозимини Муғ аркига Шоҳи парвоначи³⁰⁹² хузурига юбориб, воқеа тафсилотларини унга маълум қилди. Мазкур *қўшбеги* зудлик билан бир нечта тўфангдор *мерганлар* ва жонсипор камончиларни олиб, Муғ аркидан чиқди ва Солиххўжа эшон ҳовлисида борди. *Оталиқбек* юз бўлган хона деворини тешиб, тўфанг ўқи билан отиб ишини саранжом қилдилар. Унинг ўлигини дорул-аморат бўлмиш Хўқандга юбордилар. *Оталиқ* ўлигини пойтахтга олиб келганда амир унинг бошини танасидан жудо қилиб, дорга осди. Танасини дор остига ташладилар. Бир ҳафта боши дорда, танаси дор остида қолди. Бир ҳафтадан кейин бошини танаси билан бирга кўмдилар.

Ҳаққули *мингбоши* кўшини билан Кошғар ғазотидан қайтгандан кейин (оталиқ билан боғлиқ) воқеани эшитиб, Муҳаммадалихон хизматида арз қилдики, “Жаҳонпаноҳо! Қадимдан то айни вақтгача султонларнинг расми шу тариқада эдики, бирор бир вилоятнинг улуғи ўзининг меросий мулкани таллашиб асир тушса, султонлик карам ва хоқонлик шафқат юзасидан уни кечириб, мулкани ўзига берганлар ва уни итоатли ва фармонбардорлар қаторига киритганлар. Зероки, подшоҳлик шаъни ва номуси доирасида бизга ўхшаган ва шу каби номдорларни //49^a фармонбардор қилиб киритилиши султонлик обрўси учун энг афзал ишдир. Бундан ташқари, хоқонлик обрўй олиш қондасида ва мулк олишда фармонбардорлик энг тўғри ишдир. Муҳаммад *оталиқни* қўлга тушириб, тириклайин олиб келиб, ақидатшиор амир остонбўслари ва фармонбардорлари, банда ва мулозимлари қаторига кўшиш, ҳукмронлик, некномлик, шаҳаншоҳликнинг равнақига сабаб бўлиб, яхши ном боқий қолдиришга арзирди. Бу номақбул ишни қилган Шоҳи *қўшбеги* салтанат паноҳининг бадномлигига, мулкдорликда маслаҳатсиз иш қилишга сабаб бўлди”. Мажлисида ҳозир бўлганлар бу фикрларни тўғри деб билдилар ва Ҳаққулибекка қуллуқ қилдилар. Улар бу барча қабих ишларни Шоҳи *қўшбеги* шумлигидан содир бўлганини билдилар. Шу сабабдан Ҳаққули *мингбоши* ва Шоҳи *қўшбеги* ораларида адоват пайдо бўлди.

Жулуснинг ўн еттинчи йилида Ҳаққули *мингбошининг* қатли содир бўлди. Қоратегин ва Дарвоз Муҳаммадшариф *оталиқ* ва дарбори олийнинг бошқа *саркардалари* иштирокида фатҳ этилди. Хон амри билан бу вилоятга Шоҳи *қўшбеги* волий этиб тайинланди. Дарвоз ҳокими Султон Маҳмудхон қайтариб олиб келаётганида йўлда бу олам билан хайрлашди. Унинг жасадини Шоҳимардон ва Шери Яздон пурфайз мазоридан кўмдилар ва ўзлари келиб хон кўлини ўпдилар.

Хўжа *қўшбеги*нинг сургуни ва уни ҳажга юборилиши шу йили эди. Ҳамчунин Бухоро элчисиким, фитнага сабаб бўлган эди, ушлаб қўйилиши ҳам шу йили бўлди.

Шу йили, яна қўшин йиғиб Пешоғар³⁰⁹³ га бориб, қалъа бино қилдилар. Гадейбойни шу қалъада қолдирдилар. Қўшин қайтгани билан Бухоро амири бу қалъани олиб, бузиб ташлаши ҳам шу йили эди.

Ўн саккизинчи йилида Бухоро амири Ём ва Зомин устига лашкар тортмоқчи бўлди. Олийжоҳ хон ҳам Муҳаммадшариф *оталиқни* амирлашкар этиб, буюрди. Улар Тошканд кўшини билан бориб Зомин устида сафларини ростлаб, кутиб турдилар. Бухоро амири ўз тарафидан келиб, чорак санг,

³⁰⁹¹ Юз/юз қабиласи –Ўратепа шаҳри, Зомин, Бахмал, Булонғур атрофи билан биргаликдаги ҳудудда жойлашган кучли қабилла бўлган. Улар қирқ қабиласи билан бирга ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири. Тарқоқ ҳолда Самарқанд атрофида, Панжикентнинг жанубида, ҳозирги Ғаллаорол, Жиззах, Зомин ва Ўратепа ҳудудларида яшаганлар. Қирқ уруғи кўпинча юзлар билан аралашган ҳолда яшаганлар. Шунинг учун ҳам кўпгина манбаларда “қирқ юз” номи билан ҳам маълум. Қирқ, юз ва минг қабилалари марқа деган умумий ном билан аталган. Қирқларнинг этногенези Дашти Қипчок ўзбеклари билан боғлиқ. Қирқлар ўтмишда бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари: оқ-қўйли, қора-қўйли, қора-сирак, қорача, олмаса-ун, чапарашли ва б. Улар XX асрнинг бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, чорвачилик билан, бир қисми тоғ ён бағрида, адирларда яшаб, лалмикор ва суғорма деҳқончилик билан шуғулланишган (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси).

³⁰⁹² Парвоначи – парвона, яъни капалакдек хон (амир) хузурига кириб, ариза ва сўровларни олиб кириб, жавобини олиб чиқадиغان амалдор.

³⁰⁹³ Пешоғар/Пшоғар – Пешоғар, қалъа – Жиззах ва Ўратепа орасида қурилган Қўқон қалъаси. Ҳозир қишлоқ номи.

балки ундан ҳам яқинроқ масофада бақамти туриб, лашкар сафларини ростлади. Икки дарё лашкар бир-бирига муқобил бир соатча туришди. Баъд аз он амир ўртага *миёначи* солиб сулҳ таклиф қилди. Сулҳдан сўнг амир қайтиб кетди. Булар ҳам бир соат таваққуф қилиб қайтиб келдилар.

Мазкур йили ҳазрати эшон Соҳибзода Муҳаммадалихондан озор кўриб, Маккатуллоҳ тарафига чиқариб юборилган эди. Қасида ва таърихини Мулла Ашур Муҳаммад ўғли бу китобда сабт қилади.
//49^б

Назм:

Зи бўстони вилоят гули чаманоро,
Гирифт накҳати он аз самак то сураёро.
Зи меваи сидри боғи қутби сирҳинди,
Чакида аз ҳаловати он хони ҳалворо.
Зиҳи саодати ин мулк он сари ақтоб,
Дар ин диёр бигустарид маснади мусаллоро.
Бар диле мутаважжеҳ шуди ба шафқату лутф,
Чу ранг рабуд зи ойинааш сивои Аллоҳ ро.
Гирифта шеваи асҳоб бувад росихи шаръ,
Намонда як сари мў бар хилофи дин поро.
Навишта хомаи қудрат зи баҳри илму амал,
Ба сафҳаи дили қудси сифоти фатворо.
Камоли рифъати авжи тариқи олия,
Расонда бар фалак-л-аъзам муаллоро.
Дили салими вилоятмаоби ҳазрати ў,
Гирифта ин ҳама давлат тариқи тақворо.
Чу аз саломатии дил, ки ҳамчу арши азим,
Бикарда бар дари дил поси вилоятуллоҳро.
Назар накарда ба гармии хуш ҳашмати хеш,
Набуд бар дари ў, каски раҳи ману моро.
Ниҳоли боғи вилояти чихилу ду сола,
Давонад реша дар ин бўстон сукноро.
Фиканд соя дар ин мулк ҳамчу тубии хулд,
Гирифта маърифатуллоҳ шаҳру саҳроро.
Бикард хон Муҳаммадали зи авжи ғурур,
Малули хотири қудсии аршу саморо.
Сафар намуд аз ин мулк ҳазрати Соҳиб,
Гирифт боиси ҳаж Маккатуллоҳро.
Бикард қатъи манозил ҳама ба пойи вузу,
Ба нур паймуда мунаввар бикард жумла саҳроро.
Фароизи сунан вожиботи истиҳбоб,
Адо бикард ба вақташ ибодати Аллоҳро.
Қадам ба роҳи таваккал зада ба огоҳи,
Бикард қатъ роҳи санги дашту хороро.
Шуд аз файзи қудумаш саҳро шакли фалак,
Зи касрати шарафаш сабз кард дарёро.
Мушарраф аз қадамаш арзи Рум мулки Ҳижоз,
Сабз чархи Ажам партави мусаффоро.
Расида зоти мутаҳҳар ба манзили эҳром,
Шуд аз либос берун аз дарун сивоаллоҳро.
Расида бар дари он боргоҳи арш нишон.
Бикард бар он сажда остони ниёзро.
Адои фарз бикарду вожиботи сунан,
Бикард ба мавқуф ҳама амалхоро.
Бидид мардум батҳии тариқи роҳу равиш,
Ҳама ба роҳи садоқати азал қадамхоро.
Ҳама ба хазмати он подшоҳи мулки яқин,
Ба дил қабул намуданд тариқи улёро.
Бикард рўзе Худованд саодати Арафот,

Биёфт давлати ҳаж ва савоби Миноро.
Сафову Марва ва жумла лавозими ҳаж,
Адо бикард ба таъзим мақоми Ҳаворо.
Бикардам аз важҳи таърих аз ақл суол,
Бигуфт “зуҳури қабули ҳаж” аст хуш атворро.

Фатонат арбобларига махфий қолмасинким, “Зухури қабули ҳаж” таърих моддаси бўлиб,
1245/1829–1830 санани беради.

Ҳаж ва саҳобалар мақбараларини зиёрат қилиб, Мадина сари азм этилиши, ҳазрати эшон
Соҳибзодани аҳли Макка билан видолашуви ва уни кузатиб қўйишлари.

Назм:

Он сарвари раҳнамои солик,
Ҳодии арабу аҷаму тожик.
Маҳдии шариату тариқат,
Мужрии сунан, раҳи ҳақиқат.
Маслак ба раҳи ибодати Ҳақ,
//50^a Аз лутфи худ Ҳақ бидода равнақ.
Шуд озими роҳи мулки Ясриб,
Дар ишқи наби ба қалби жозиб.
Содоти уззом мулки батҳо,
Карданд гусел то ба саҳро.
Карда ҳам аз вай шафқат,
Хурсанд зи худ бикард рухсат.
Гашта ҳама саййидон аз он жо.
Карданд видоъ ба сад ғам онҳо.
Гашта ҳама ба ҳасрату ғам,
Бо дил ҳамаро аз ў бо дидаи нам.
Дар раҳ ҳама маҳфили саодат,
Тавсиф кунон ба роҳи ҳасрат.
Содоти уззоми Макка ҳар як,
Меғуфт ба якдигар ки бе шак,
Бўйи гули мажлиси рисолат,
Аз суҳбати ҳалқаи латофат.
Ҳар дам ба боғи дил вазида,
Бар дили касе суҳбаташ гузида.
Дар шаъни камоли ҳазрати онҳо.
Меғуфт ба якдигар садақно.
Баъд аз гусели видоъи содот,
Шоҳаншоҳи соҳиб каромот,
Намуда чу барқ роҳ маҳбуб.
Ҳамчун назар ҳавои матлуб.
Аз суръат сайри оташ олуд.
Оташ ба дарун абр биғунуд.
Аз касрати жўшиши муҳаббат,
Паймуд чу барқ роҳ ба суръат.
Дар гарми пўяи биёбон.
Дар ҳар маҳал фурузи ҳамса,
Мекард адо ба вақт ҳамиша.
Дар роҳи махуф бандагиро,
Мекард ў пайрави набиро.
Қатъи роҳ бо чунин риёзат,
Кард ҳамчу сипеҳр оли ҳиммат.
Баъд аз таййи жумла манозил,
Бинмуд сари равза чун машоил.
Дар бореки бар замин фитода,
Карданд ҳама қатъи роҳ пиёда.
Бо ин ҳама пири раҳ ки паймуд,
Таъзими расул бувад мақбӯд.

Мерехт ба зеҳ зи чашм гавҳар,
Меғуфт вуруд кутби раҳбар.
Мекард адои шарти одоб,
Бо жумлаи раҳравони асҳоб.
По аз дари шаҳр маъдани нур,
Монданд ба дарун бо дили шӯр.
Бо худ бо забони ҳол меғуфт,
Ки дурр ба даҳони қол месуфт.
Медон ба яқин, ки мақомест,
Ҳазрат бо ҳама саҳоба мезист.
Арзи ҳама кўчаи Мадина,
Нақши қадами расул дида.
Жибриил малоики муқарраб,
Гуфтанд зи суҳбаташ муаддаб.
Бар зери қудум карда мафрушаш,
Руҳи амин малоики арш.
Жумла макони арш бардор,
Бар по ҳама карда пой андоз.
Бар по ҳама карда аз замин фарш,
Аз фарш ҳама то малоики арш.
Шуд фарши қадам баҳри ду шайхайн,
Қолин шуда дар раҳи амирайн.
Хокаш ки шуд ҳам чу сурма ноёб,
Мустаили пойи Оли асҳоб.
Бар паҳлуи ажз роҳ пўям,
Хокаш ба димоғи дил бижўям.
Лоик на бурун пойи одоб,
Доҳил шудан аз кас зи ҳар боб.
Аз касрати иштиёқи равза,
Нокарда нузули қўшхона.
Чун ташналабон расонда аз шавқ,
Худро ба зилоли чашмаи шавқ.
Монанди қирони моҳу хуршид,
Пайваст ба вусул мақсаду умид.
Бо дарғаҳи арши остона,
Шаҳбози баланди ошёна.
Гардид дар ду гуфта доҳил,
Нолону бирён // 50^б сўзиши дил.
Пайваст ба равзаи мунаввар,
Гулдастаи боғу кутби раҳбар.
Фарзинжи мужир барқи ломеъ,
Аз равза шуда чу меҳр толеъ.
Андохта партави башорат,
Бо равзаи дил бикард ишорат
Кай раҳбари раҳравони уммат,
Вай зинда бе равони уммат.
Шоҳаншоҳи жумла оли ҳиммат,
Мақбули ...еки шуд қабулат.
Дур аз дари худ бидъат,
Эй мажрои роҳи жумла суннат.
Эй пешрави раҳи шариат,
Аз жумла рабуди гўйи сабқат.
Бикшода ту дафтари ҳидоят,
Хонди ҳамаро ту дар тариқат,
Дар ой дар ой ба равзаи тан,
Пеш ой ки ҳасти *махрами* ман.

Дарёфта давлати башорат,
Бо дил шуда мункашифи рухсат.
Монданд қадам ба пойи чашмбин,
Бал монда ба мардуми аёнбин.
Жори шуда дар ду чашм чашма,
Доҳил ки шуда он замон ба равза.
Пайваст дил вале дар он ҳол,
Пайи арши дили наби зада бол,
Бо қалби наби ки буд сад арш,
Дар зери қадаму чу пастии фарш.
Бо авжи маротиби муалло,
Фойиз шуда уммати музакко.
Ҳамранг шуда Қулзуми муаззам,
Бо мавжи муҳити баҳри аъзам.
Амвожи ду баҳри нур дар мавж,
Омад шуда ғарқ сифлаю авж.
Гул кард вуқуъ олами нур,
Ҳурони бихишт фитод дар шўр.
Зоҳир шуда машоғили зиёрат
Ботин шуда ғарқай каромат.
Бо ин ҳама лутфи бе ниҳоят.
Ў ёфт шарофату қаробат.
Овард зиёрат бо одоб,
Бо ҳусни хулқ дурри ноёб.
Карданд зиёрати ду шайхайн,
Аз баъди зиёрати амирайн.
Рухсат шуда мункашифи ботил,
Аз равзаи “Тоҳо”³⁰⁹⁴ ва “Ёсин”³⁰⁹⁵.
Гул карда ниҳоли боғи умид,
Бишқуфта чу гул берун хиромид.
Бо жумла раҳбарон сар омад,
Бо давлату сархуши баромад.
Зи онжо ба зиёрати саҳоба,
Ом шуда қутби лутф нома.
Карданд тавофи жумла асҳоб,
Бо жумла ҳамраҳону аҳоб.
Фориғ шуда ҳазарт аз зиёрат,
Бо жўши дил ба сўзи ҳолат.
Бе худ раҳи бозгашт паймуд,
Ташрифи нузули қўш фармуд.

Китоб муаллифи равзаи муборакни ҳазрати Соҳиб томонидан зиёрат қилгани таъриҳини қуйидагича топиб, назм ипиға тортган:

Маржаъи олам он устуни дин,
Ҳодии пойгоҳи роҳи хафий.
Шуда аз Макка озими Ясриб,
Ғавси офоқ раҳбари аҷамий.
Шасту як сола буд сини шариф,
Шуд мушарраф ба равзаи набавий.
Шуд ба кашфи башорати равза,
Доҳили борғаҳи мустафавий
//51^а Шарафи қурбати жулуси расул,
Ёфта шуд зи лутфи мустағний.
Такшиф гашта лутфи бағоят,
Ёфт рухсат вали зи қурби набий.

³⁰⁹⁴ Қуръони карим, 20 сурасининг номи.

³⁰⁹⁵ Қуръони карим, 36 сурасининг номи.

Жустам аз ақл ман зи соли тавоф,
Гуфт аз “мазҳари набию вали”.
Маълум бўлсинким, “мазҳари набию вали” таърих моддаси бўлиб, ҳосили 1241/1825–1826 дир.
Сукно ба макони пур шарофат,
Як сол бикард бо риёзат.
Ҳар рӯз ба равза ў бирафти,
Пилки чашм парда рафти.
Бар пардаи қабр жабҳа суди.
Имдод ба дин талаб намуди.
Зорида ба нолаҳои дилсӯз,
Меёфт камоли лутф ҳар рӯз.
Бо ин равиши латофату ҳол,
Жуз ҳифзи ҳадис набуд аз қол.
Бе он, ки навишт нӯги хома,
Шуд мункашиф тавлид нома.
Як давр ҳама бино дар он жо,
Бо аҳли ҳадис кард барпо.
Мамлу ба палос жумла асбоб,
Ҳар хона пур аз китоби ноёб.
Вақте, ки зиёда аз кифоя,
Кард он ки варо набуд ғоя.
Карда муҳтарамон мударрис,
Ижрои ҳадис фикҳ тадрис.
Он ҳамдарсро итмому анжом,
Омад ба вуқуъ ҳама сар анжом.
Дода ҳамаро ба мустаҳқон,
Мозода, зоди роҳилаи он.
Бо равзаи ҳазрати рисолат,
Рафтанд баъд ғаму хижолат.
Аз дарду ғами фироқи ҳазрат,
Бо сад дили чок баҳри руҳсат.
Бо равзаи пур зиёи аҳбоб,
Доҳил шуда бо ду пойи одоб.
Дар ҳол чу марқади мунаввар,
Дар бар бикашид қутби раҳбар.
Бо нолаи дил бикард зори.
Аз дида дуруд карда жори.
Гуфт ин ки туи паноҳи уммат,
Дар ҳазрати Ҳақ, ки дори ҳурмат,
Эй сарвари анбиёву аброр,
Бо мӯйи сафеди ман ту раҳм ор.
Онҳо ки тариқи нақшбанди,
Карданд ба жону дил писанди.
Маҳрум макун ту аз шафоат,
Бо жамла умам ту дар қиёмат.
Гул кард ниҳоли боғи умид,
Аз боди баҳор равзаи жовид.
Бо ойинаи дили мусаффо,
Бинмуда базе жамолу зебо.
Дар бораи ў камоли шафқат,
Бинмуда варо бикард ҳурмат.
Гуфт ў туи пурдон аз ту,
Бо жумла роҳравон аз ту.
Онҳо бу ту кардаанд рафоқат,
Асҳоби мажолиси тариқат.
Бо суннат ман ҳамеша қоим.

Буда ба тариқи шаръ доим.
//51⁶ Рози зи ту ҳастам ва зи онҳо,
Ҳастам бо ту то ту боши бар жо.
Он ки ба мажлиси ту роҳ ёфт,
Дарёфт муроду роҳ бишнохт.
Рухсат ба ту мову Ҳақ барорем.
Бо манзили худ, ки аз ту шодем.
Аз лутфи худ Ҳақ бикард иноят,
Муфтарихи ту кард роҳи ҳидоят.
Ҳар жо ки ту боши бо Худои,
Ҳар жо ба Худо шуди ба мои.
Як лаҳза ман аз ту нестам дур,
Дар ҳалқа ҳамеша бо ту баҳазур.
Бо Ҳақ супурда додам рухсат,
Бо халқ намо роҳи ҳидоят.
Дарёфта кашфи сарфарози,
Атвори наби ба дилнавози.
Доҳил шуда бо камоли жовид,
Бо пойи адаб берун хиромид.
Аз баҳри висоли кони шафқат,
Мерахт зи чашм дурри ҳасрат.
Дар роҳи муҳожирони содот,
Мекард сухан ба рифқи ҳолот.
Гуфт эй ҳама сокинони даргоҳ,
Эй карда ба арши манзалат жоҳ.
Дорам аз шумо умиди имдод,
Бо лутф кунед дар дуо ёд.
Онҳо ҳама аз фироқи ҳазрат,
Мерехт зи дида ашки ҳасрат.
Мегуфт ҳама эй дурри ягона,
Дар шаръ сирруллоҳи ягона.
Аз файзи мажолиси латофат,
Дар суҳбати ҳалқаи пур шарофат.
Дар хонаи дил бигрифт Аллоҳ,
Хў карда ҳама ба ҳазратиллоҳ.
Гаравид маро зи ҳалқаи худ,
Маҳрум маро ки буд беҳбуд.
То дар жасад аз ҳаёт боқист,
То боди нафас ба халқ жорист.
Бошам ба диёру дил фаромўш,
Дар ҳифзи дуо ба зикр хомўш.
Дар шаъни шумо баҳри зиёрат,
Дар равзаи соҳиби рисолат.
Имдод намуда дар дуо ёд,
Бикунем талаб намуда имдод,
Эй шаҳвори арсаи дил,
Берун накуни зи гўшаи дил.
Моро ки ҳамеша дар дуоём,
Умиди дуо ки аз ту дорем.
Моро ба дуо ҳамеша ёд ор,
Эй пешрави хосу аброр.
Карданд гусел то ба як санг,
То хосу авом жумла як ранг.
Мажмуи халойиқи Мадина,
Карданд видоъ ба сўзи сина.
Монданд ҳама аз фироқи ҳазрат,
Дар пас нигарон ба чашми ҳасрат.

Ҳазрат шуда қотии манозил,
Баъд аз тайи манзили марохил.
Дар балдаи Маккаи муаззам,
Карданд нузул шоду хуррам.
Мажмуи халойиқи ақолим,
Ҳажжожии сағоиру аозим.
Бо ҳазрат ҳама тавофи Каъба,
Мажмуи хосу жумла омма.
Карданд адои ҳажжи хона.
Дар соати асъади замона,
Ҳазрат бо ҳама карда ножи.
Сўйи Арафот жумла ҳожи,
Озим шуда жамъ бо таҳорат,
Карданд Арафотро зиёрат.
Карданд адо намози қурбон,
Бо сўзу ниёз аҳли ирфон.
Карданд тавофи Муздалифа,
Минову Ҳаво, Сафо ва Марва.
Мажмуи лавозими зиёрат,
Карданд адо ҳама ба ҳурмат.
Озим шуда жумла бар ватанҳо.
Гашта ҳама ба сўзи дилҳо.
Шуд озим бозгашт ҳазрат,
Аз Макка ба жониби вилоят.

Соҳибзоданинг иккинчи ҳажининг таърихи қуйидагича топилди.

Эй хирад гў зи баҳри ҳажжи дуввум,
Таърихеро бигў мағў ба ҳарж.
Дилу жонро бигуфт агар дони,
Васл кун “бо зуҳури васли ду ҳажж”.

Махфий қолмасинким, “бо зуҳури васли ду ҳажж” таърих моддаси бўлиб, сана 1241/1825–1826ни беради.

Саҳрову бихор ва жумла роҳ,
Қатъ ҳамаро бикарда шаш моҳ,
Мажмуи халойиқи вилоят,
Карданд ҳама пешвози ҳазрат.
Ташрифи нузул ёфт ба Хўқанд,
Гаштанд ҳама хосу ом хурсанд.
Диданд фусақо ва қавми золим,
Гардида фано шаҳи мулозим.
Пўшида либоси тоза олам,
Пур одами нав аз куҳна олам.
Рафта ҳама молҳо ба торож,
Аз шумии фисқи мардуми гож.
Дилдори ба мардуми вилоят,
Медод зи рўйи раҳму шафқат.
Ёбед шумову ў на ёбад,
Ҳар кас бикунад ҳамон биёбад.
Аз шумии қавми он вилоёт.
Ёбанд тазаллуму мукофот.
Ин кори на банда, кори тақдир,
Омад ба сари жавону (ҳам) пир.

Валоят паноҳи бўлмиш ҳазрати Соҳибзода дидорини кўришга мушарраф бўлган вилоят аҳлининг ҳар бирини маърифатуллоҳ ўғитлари билан шундай шафқат билан таскин берардилар. Ҳазрат ўз умрини энг яхши тарзда ўтказиб, Хўқанд вилоятини нақшбандия тариқатига ҳидоят қилардилар. Ўн етти йил ўтгандан кейин маъдан ул-файз мадрасасини (Соҳиб эшон) Маллахон

замонида бино этди ва у Шоҳмуродхон³⁰⁹⁶ даврида қайта таъмирланган эди. Унинг таъриhini зарифлардан бири топган эди ва уни назм ипига тортиб ўз жойида келтирамиз.

Муҳаммадалихон ғозий тахтга ўтирганининг ўн тўққизинчи йили Бухоро қўшинини чиқиб келаётгани хон қулоғига етди. Дарҳол Муҳаммадшариф *оталиқ*ни сонсиз қўшинга амирлашкар этиб тайинлаб, хон ўзи бир ҳафтадан сўнг орқадан йўлга чиқиб Хўжанддан ўтиб, *махрамлари* ва қирқ ботир, қирқ *мергани* билан Хўжанд танглигига келиб тушди. Худи шу куни амир қўшини Ўратепа устида жангга киришди. Хўқанд лашкари ҳам жангни бошлаб, айна урушнинг авжида амирга уларнинг қўли баланд келаётганини етказдилар. Амир зудлик билан отланиб келиб, Хўқанд қўшинига ташланди. Лашкар мағлубиятга дуч келди ва баъзи *саркардалар*, жумладан Муҳаммадшариф *оталиқ* асир тушдилар. Қолган қўшиннинг аксари ҳалок бўлди. Қўшу фалтар, нарсалар ва чодарни ташлаб қолганлари чекиндилар. Шом вақти қочган қўшиннинг муқаддимаси Хўжанд танглигида турган хон қўшига //52^б етиб келишди. Эрталабгача орқа-олдиси ҳам етиб келиб жам бўлдилар ва қуёш чиқаётган вақтда хон ижозатисиз шовқин-сурон кўтариб Хўжанд сари йўл олдилар.

Қочоқларнинг бошида Тошканд *ҳокими* Лашкар *бекларбеги* турарди. У ўзининг яқинлари Саййид *қўшбеги*, *Баҳодир қўшбеги* ва бошқа *саркардалар* билан хон хизматига келиб, жанг воқеаси ва қўшин мағлубияти тафсилотларини хон диққатига етказди. Шу кеча тангликда туриб, Лашкар *қўшбегини* Тошкандга юбордилар. Хон ҳам *махрамлари*, қирқ *баҳодир* ва қирқ *мергани* ҳамда *галабаҳодирлари* билан Хўжандга қайтди. Шаҳарга кирганида шу куни Бухоро амири Баҳодирхон (Насруллоҳ)дан элчи келиб, ўзини йўқотган хонга чиқиб, амирни кўриши учун тарғиб қилди. Баъзи давлатхоҳлар элчи маслаҳатини маъқуллаб, хонни шунга далолат қилардилар. Баъзи давлатхоҳлар, қирқ *ботир* ва қирқ *мерган* ҳамда юз жамоаси вакиллари хонни амир билан учрашишга маслаҳат бермадилар ва “уч-тўрт нафар *саркарда* қочишини кўриб, амирдан кўрқиб, бориб уни кўриш сипоҳгарчилик қондасидан узоқдир”, дейишди улар ва хонни олиб отландилар-да, Хўқанд сари йўл олдилар.

Муҳаммадалихон ғозий Хўжанддан чиқиб Тошкўрғонга етганида, Бухоро амири элчиси хон йўлига чиқиб шундай деди: “Эй хон, қаерга бормоқчисиз? Қаерга борсангиз ҳам амир билан жанг қилишингиз керак бўлади. Ҳали ҳам вақтни ғанимат деб билиб, бориб амир билан учрашинг. Вилоятни ўзингизга қайтариб беради, меҳрибончилик ва лутф ила сизни қайтаради”. Оқибат ул-амр маслаҳат шундай бўлдики, Муҳаммадалихон ўз ўғли Муҳаммадаминхонни катта тортиқ ва ҳадялар билан амир ҳузурига юбориб, ўзи Хўқанд сари равона бўладиган бўлди.

Хон Хўқандга келиб қўниши билан амир келиб Хўжандни олди ва Маҳрам мавзеига келиб (яна) Хўқандга элчи юборди. Амир тўрт кун Маҳрамда турди. Элчи қайтиши билан амир Хўжандга кириб келди ва бу ерда уч кун истиқомат қилиб, Хўжанд ҳукуматини Султон Маҳмудхон – Муҳаммадалихоннинг укасига берди ва узи Бухорога азм этди.

Амир қайтиши билан Муҳаммадалихоннинг онаси (Моҳларойим) Хўжандга келиб, ака ва укани яраштирди. Хон Тошкандни Султон Маҳмудхонга бериб, Хўжандни ундан олди. Султон Маҳмудхон Тошкандга кетиб, Хўжандни Муҳаммадалихонга топширди.

Кундан кунга Муҳаммадалихоннинг давлати таназзулга кетиб, муҳолифат авж оларди. Шунча бадбахтлик ва шикаст Аллоҳ таоло тақозоси ва Ягона султон қудрати билан Муҳаммадалихон бошига келиши унинг шум қилиқларидан эди. // 53^а У ўз суҳбатлари ва мажлисларида фосиқлар, қиморбоз ва шаробхўрлар билан бирга бўларди. Сифла (паст) одамларга ривож бериб, ўзининг давлат арконлари ва мамлакат аъёнларини хор қилди. Фоҳишаларни ўз ҳарамига киргизди. Ҳамма *саркарда* ва давлатхоҳларнинг дилида гина ва адоват ин қурди. Улар қандай чора ва тадбир қилишни билмасдилар. Унга илож ва чора топишдан ҳамма ожиз қолди, зеро разил ва фосиқ кишилар дорул-аморат атрофини ичкари ва ташқариси билан ўраб олган эдилар. Оқибат Бухоро амирига руқъа (нома) юбориб, бу мулкни унга беришга ваъда бердилар.

Тахтга ўтиришнинг йигирманчи йили мазкур даъватларга биноан амир келиб Бешарикқа қўнганида Тошканддан Султон Маҳмудхон келиб, Хўқандга кирди. Амир Бешарикдан кўчиб, Сариксувга келиб тушди. Бу ердан ҳам кўчиб, Найманчага келиб қўнди. Худи шу куни амир лашкарининг муқаддимаси келиб, шаҳарни от қамсил қилдилар. Эртаси амир Найманчадан кўчиб, Ойим қишлоққа келди. Шаҳар бир ҳафта қамалга олинди. Сипоҳ анинг жанг қилишга унча рағбати йўқлигини аҳоли билди. Бу вақтда шаҳарнинг қалъаси йўқ эди. Шунга қарамасдан шаҳарликлар бир ҳафта қаршилиқ кўрсатиб, жанг қилдилар. Бироқ, охир-оқибат манғитиянинг *оломон* (қўшини)

³⁰⁹⁶ Шоҳмуродбек (1847–1863) – Саримсоқхон ўғли. 25 феврал-4 июн 1862 йили Қўқон хони. Алиқули фармони билан ўлдирилган.

кўплигидан ожиз қолиб, қочишга мажбур бўлдилар. Найманчадан то Аму дарёсигача бўлган ерлардан манғитлар оломон йиғиб олгандилар ва уларни бу мулккача олиб келган эдилар. Фарғона мулкидаги баъзи қишлоқлар ҳам манғитлар оломон дасталарига қўшилгандилар. Оломон ҳужуми натижасида манғитлар шаҳарга кирди. Шунга қарамасдан баъзи пурдил йигитлар шаҳар кўчаларида то мадрасагача, яъни сой бўйигача неча марта манғитияга ташланиб, кўчалар тупроғини уларнинг қонларидан рангли қилдилар. Жанг ва саваш қила-қила келиб хонни ва Султон Маҳмудхонни олиб, қочиб кетдилар. Амир омманинг шовқин-сурони билан шаҳарга дохил бўлди. Амир буйруғига биноан шаҳарни тўрт соат талон-тарож қилдилар. Масжидларда кигиз ва жойнамоз, мадрасаларда китоб қолмади. Барча нарсалар ғорат бўлди. Эркагу аёлни яп-яланғоч қилиб қўйишди. Бу мулкнинг баъзи фуқароси уйлар ичида, // 53^б боғлар ва хилват жойларида манғитларни итдек ўлдириб, жасадларини захбур ва чуқурларга ташлардилар. Тўрт соатдан сўнг амир буйруғи билан манғитлар шаҳар талон-тарожидан қўл тортдилар. Муҳаммадалихоннинг онасини бир нечта аёл билан бирга қатлга етказдилар. Муҳаммадалихон давлатхоҳларидан ҳам бир нечтаси, унинг ўн тўрт ёшли ўғли Муҳаммадаминхон ҳам қатл этилди. **Назм:**

Эй забардасти зердаст озор,
Доимо турмағай қизик бозор.
Зулм тиғин равомудур сурмак,
Бегунаҳларни мундоғ ўлтурмак.
Шоҳлар ишидурур шафқат,
Шаҳ асир ўлса шаҳ қилур иззат.
Ҳақ ўзидек шаҳни қилди асир,
Ҳақ учун лозим ўлса узрпазир.

Бу китобнинг роқими ўша ҳангом Хўқандда етти (?) ёшда бўлганида бу барча “ушла” ва “тут”ни ўз кўзи билан кўрган эди.

Муҳаммадалихон ва Султон Маҳмудхон қочганларидан сўнг бу вилоятга олиб келинган мусофирларни амир ўз ватанларига қайтишларини буюрди. Муҳаммадалихонни қўлга тушириб, олиб келганларида у мусофирларни қўчишларига қаршилик кўрсатаётган эди. Муҳаммадалихонни қўлга туширгач, қатл қилдилар. Кўпгина гуноҳсиз одамларни ҳам қатл қилдилар. Шу билан бу хонадонга қарши, бу мамлакат аҳолисига ва бу юртга қора кунлар келди. Амир улуғ ва катта, уламо ва содоти уззом, ҳурматли умаро ва фузало, ҳунармандлар, машойих ва гўзал мастура қизларни сургун қилиб, уларга озор ва малол келтириб, Бухорога кўчириб олиб кетди. Ҳукмронлик олат ва асбоби, султонликда керак нарсаларни, тўп ва тўфанларни, уруш воситаларни йиғиб олиб Бухорога юборди. Барча вилоятни бухороликларга бўлиб бериб, уларнинг итоатига киргизди. Ўн етти кундан кейин истиқоматга ожиз келиб, Бухорога азм этди.

Муҳаммадалихоннинг тахтга чиқиши ва ўлими таъриhini фузалолардан бири бўлмиш Мулло Ниёзмухаммад мусаддас тариқасида бир байтга тортиб сабт этди. **Назм:**

Он шоҳи некбахт бар тахти падар нишаст,
Мискин ба хони макраматаш жумла нишаст.
Аз табхи шафқату эҳсони оми ў,
Аз ваҳми жуъ жамлаи гуруснагон бираст.
Таърихи соли жулус хирад гуфт,
Дони хазору ду саду сию ҳафт хаст.
Гулҳои ин чаман ҳама ранг парида аст,
Аз ваҳми тиғи хазон дили онҳо дарида аст.
Осори неку бад дар ин даҳри жиз-жиз,
Дар боғи зиндаги касе ҳосил надида аст.
Он шаҳи шодком бигўям ба тахти // 54^а жулус,
Айёми давр ба солаш бисту як аст.
Аз таърихи вафот чунин гуфт ба ман хирад,
“Муҳаммадалихони шаҳид ҳукме” шуда аст.

Возеҳ ва равшан бўлсинким, “Муҳаммадалихони шаҳид ҳукме” таърих моддаси бўлиб келган. Санаси 1258/1842–1843 дир.

Бухоро амири кетиши билан бу мулкнинг аҳволи ўзгариб кетди, бу вилоятнинг аёлу эркаги, каттаю кичиги кўча ва бозорларда манғитлар зулмидан шикоят қилиб юрардилар ва уларнинг ҳукмига бош эгмасдилар, зеро улар (Бухоро) подшоҳини адолатосор ва шафқатшиор деб билардилар. Бу мулкни ўз тасарруфига киритиб, Хўқандга кириб келганида зулм қила бошлади. Султонлик расму

русуми ва ҳукмронлик қоидаларини буза бошлади. Бу мулкдан кетаётиб Бухоро амири уни Иброҳим Хаёл тарёкий, бир манғити хаёлийга бериб, уни ҳоким этди. У эса Мулло Курбон *мирохур*, Муҳаммадшариф *мирохур* ва Гадобий деган кимсалар билан келишиб ҳукмронлик қиларди.

Икки ойу ўн етти кундан кейин сартия, қипчоқия ва қирғизия³⁰⁹⁷ жамоаси бутун Фарғона аҳли билан биргаликда Олимхон даврида ундан ҳайиқиб Талосга кетган Шералихонким, Ҳожибек ибн Абдурахмонбек ибн Абдулкаримхон ўғли эди, олиб келиб, Тўрақўрғонда уч кун ушлаб туриб, ул ҳудуднинг қўшинини ҳам жамлаб, Хўқанд сари равона бўлди. Дарёдан ўтишлари билан манғитларга хабар бердиларки, “Талосда бўлган бу вилоятнинг хонзодаларидан бири ўз амакисининг қотили қонини дият тариқасида тилаб ҳамда бу меросий мулкига даъво қилиб кўзғалган ва сон-саноксиз қўшин йиғиб, Султон Баёзга келиб тушган. Эртаси келиб сизларга хужум қилишмоқчи”. Бу даҳшатли хабарни эшитган заҳоти Хўжанд *саркардаси* Тилло Қобил деганига мулозим юбориб, кечаси уни чақиртириб олдилар. Эртаси куни эрталаб у ўз одамлари билан етиб келди. (Манғитлар) урушга тайёргарлик кўриб, қасрдан чиқиб Хўжанд тарафига наҳс юлдуз каби ботиб, равона бўлдилар.

Шералихон эса бахтли юлдуз каби шарқдан порлаб, фатҳ ва зафар билан келиб дорул-аморатга дохил бўлди ва аждодларининг обод қароргоҳидан жой олди. Хўқанд мулкани манғитлар қўлидан кетиб қолиши таърихини назм тариқасида китобга киритилди.

Назм:

Моли мардум хору бе раҳму тазаллумпеша,
Хоки адбори маломат омаду бар сар бирехт.
Кард ғорат мулкро аз роҳи бе андешаги,
Лутфи шоҳи карда гум аз жодаи шоҳон бикехт.
Он чи аёни вилоят шайху саййиду хожаро,
Кард хориж аз ватанҳо риштаи шафқат гусехт.
//54^б Монд ба тахти хавонин шоҳ Иброҳими Хаёл,
Рўзи рафтан баҳри мухлис жумла мардумро фирефт.
Баъди рафтан муддати ду моҳ аз ин ё бештар,
Шералихон омаду ин мулкро аз дасташ бар гирифт.
Таърихи инро бижустам аз хирад ҳамчун бигуфт,
Ки инчунин аст “бе ҳаё бе сару по шуд гурехт”.

“Беҳаё” сўзининг боши ва оёғи “бе” билан “алиф” ҳарфлари бўлгани боис уни исқот қилб, “гурехт” сўзига дохил этсак таърих ҳосил бўлажак.

Шералихонни Муҳаммадалихон тахтига ўтиргани ва Бухоро амирини келиб (Хўқандни) қамал қилгани, мақсудга эришолмай ўзининг ёмон муомаласидан хижолат тортганининг баёни

Шералихонни султонлик тахти ва жаҳонбонлик тўшагига қарор топганидан кейин, дорус-салтанатнинг уламо, машойих, бошлиқлар ва *оқсоқол*лари уни оқ кигизга солиб подшоҳлик тахтига ўтқаздилар. Кейин мулкнинг барча аёнларини хизматига қабул қилиб, латиф даҳани ва шафқат тили билан кўнгилларини юпатарди. Талаф бўлган молларингиз ғамини еманг. “Мол талафи умр халафи” деганлари рост экан. Молларингиз талафини Ҳақ таоло қайтариб берар. Молларингиз қимматига тенг мана мен, каминани юборишди. Мамлакат ва мулкдорлик номуси, салтанат муҳофазаси ва шаҳриёрлик учун ота ва боболарим тахтига барқарор этишди. Энди душман зарарини йўқ қилиш учун маслаҳат ва чора топмоқ керак бўлади. Бундан кейин менинг ишим сизларнинг

³⁰⁹⁷ Қирғиз(лар) – Қирғиз номи илк бор геэгуь шаклида хитойча «Ханшу» («Хан сулоласи тарихи»; мил. I аср) йилномасида мил. ав. 203 йилги воқеалар баёнида тилга олинади. Қирғизларнинг келиб чиқиши ҳақида турли қарашлар мавжуд, хусусан уларнинг Енисей қирғизлари деб аталмиш халқдан тарқалгани масаласи мунозарали. Қирғизларнинг илк этник тарихи қадимий қабила иттифоқлари (хунлар, дин-линлар, саклар ва усунлар) билан боғлиқ. Турк хоқонлиги ва кўчманчи давлат уюшмалари даврида (VI–X асрлар), кейинчалик қирғизлар таркибига кирган қабилалар Саян-Олтой, Иртиш бўйи, Шаркий Тяньшаннинг туркий аҳолиси орасида шаклланганлар. Қирғизларнинг бир қисми IX–XII-асрларда, катта қисми эса ўрта асрлар давомида ғарбга кўчиб, Иссиққўл атрофлари, Етгисув хавзаси, Тяньшан (Тангритоғ) ён бағирлари, Фарғона водийсининг тоғолди ҳудудлари ва Дашти Қипчоқ ўлкаларига бориб жойлашган.

Қирғизларнинг асосий қисми Тяньшан ва Иссиққўл оралиғини макон тутиб, бу ердаги бир неча туркий қабилалар билан биргаликда ҳозирги қирғиз халқини ташкил қилган. Қирғиз халқи таркибига, шунингдек, Етгисув ва Мовароуннаҳрнинг туркий қабилалари, жумладан қарлуқлар ва уйғурлар, кейинроқ мўғул қабилалари, XVI–XVII асрларда эса келиб чиқиши қозоқ-нўғайлар билан боғлиқ қабилалар кирган. Қирғизларнинг бир қисми бошқа туркий халқларнинг этногенезида қатнашган. Хусусан, 92 ўзбек уруғига оид шажараномаларнинг барчасида қирғиз этноними қайд қилинган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бир неча вилоятларида қирғиз номи этнопоним сифатида сақланиб қолган. Қирғизлар хонлик даврида кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик, айрим туманларда XIX асрнинг иккинчи ярмидан деҳқончилик билан шуғулланган (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси).

тадбирларингизга мутааллиқ ва барчангизнинг маслаҳатларингизга боғлиқдир. Нимани раво кўрсангиз иттифоқ билан уни адо этиб, заррача унга қарши бормасман.

Вилоят каттаконлари бу шафқатга яқин сўзлар ва латофатга ёр калималарни Шералихондан эшитиб, ҳаммалари хурсандчилик ғоятидан қўлларини дуога кўтариб мазкур хон давлати ва умрини зиёда бўлишини Аллоҳ таоло даргоҳидан сўрадилар. Кейин айтдиларки: “Жаҳонпаноҳо! Зиё тарқатувчи хотир ва нурафшон ройингга келган бу маслаҳат энг яхши маслаҳатдир ва сиз адолатпарвар ва савобнамой дилингизда қандай андиша пайдо бўлса, мулк бошқаруви ишларида энг афзали бўлади. Бироқ, “Ишларингизда маслаҳат қилинг” деган оятнинг хурмати юзасидан ҳумоюнӣ диққатига етказамизки, қирқ кун, ундан кўпроқ ёки камроқ, душман яна бошимизга бостириб келади. Ўша ёмон хулқли ва ёмон сўзли жангари қавм келишидан олдин шаҳар атрофида тоғдек қалъа ва фалакка тенг ҳисор, кенг хандақли, жаҳаннамдек даҳшатли ўра // 55^а барпо этмоқ керак. Чунки бу вилоятнинг халқи тобелари билан бирга ўша гуруҳнинг талон-тарожи кўлидан, бозорчи эл эса касод, оёқ-ости бўлиб, хотирлари озор чеккан, ваҳимада қолганлар. Манғитни бу тарафга келишидан хабардор бўлсалар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси кўчиб қочадилар. Қалъасиз ва бедарвоза бу мулкда одамлар истиқомат қилишда ожиз қолиб, уйларда киши қолмағай”.

Ислоҳотчи хон ва андишали султон барча оқсоқоллар маслаҳатини яхши деб билди ва вилоятнинг атроф-теварагига мулозимларни юбориб, ҳамма жойнинг оқсоқолларига фуқародан мардикор олиб келиб, ўзлари бошчилигида салтанат пойтахти бўлмиш (Хўқанд) шаҳри атрофида қалъа ва ўра қозишни ва уни тез битказишларини буюрди. Вилоятнинг барча аҳолиси катта хурсандчиликдан ўзлари мардикорларни йиғиб олиб келдилар ва чуқур қовлашга киришдилар. Пойтахт оқсоқоллари шаҳар атрофига чиқиб, катта тааммул билан тоғдек қалъа пойдевори тарҳини чиздилар. Барча тоифаларга ўз жойларини белгилаб бериб, қалъа деворини мукамал қуришга уларни тарғиб қилдилар. Жидду жаҳд билан қирқ кун ичида шаҳарнинг қибла тарафида қалъанинг ярим қисмини барпо этганларида наҳс келтирувчи амирнинг ёмон юлдузли тўқсон икки тоифадан иборат лашкари келишини талон-тарож кўрган халқ эшитди. Шаҳар атрофидаги қишлоқлар аҳолиси асбоб-анжом, хас-хашаклари ва дон-дунларини олиб, шаҳарга кириб яшириндилар. Шаҳарнинг шарқий қисмида қалъа бўлмагани боис, чим босиб бачқир (тўғанок) қилдилар, хандақ қовладилар. Шаҳарнинг баъзи қисмлари очик ва хандаку тўғаноклари йўқ эди. Шу вақтда Бухоро ва Самарқанд чўли чигирткаларининг мукаддимаси Аму дарёсидан то Ғозий Ёғлиқ дарвозасигача чўзилиб, бу мулкнинг киштзорига ҳирсдан оч қолган зоғ каби етиб келиб, ўликларини ташладилар. Қарасаларки, шаҳар атрофи қалъа билан ўралган, тўплар ўрнатилган, милтиқлар омода. Ҳар бир манғит бошига минг милтиқдан ўқ отишлари мумкин. (Бухоро кўшини) ярим тош орқага чекиниб, ўз кўшларини барпо этиб, кўндилар. Эртаси куни Бухоро амири катта карру фар билан келиб, шаҳарнинг қибла тарафидаги Арзик тепадан тоғдек қалъа барпо бўлганини кўрди. Мулкни бошқариш ва халқнинг бирдамлигига офаринлар деди. “Бу мулк ободонлигининг аломати, халқ оммасининг кўплигидандирки, бир ойда тоғга ва осмони фалакка ўхшаш шаҳар атрофида қалъа барпо этибдилар”.

Амир буларнинг барчаси ўзининг талон-тарожи, баъзи аёнларни кўчириб олиб кетиши, бегуноҳларни қатл этиши касофатидан // 55^б эканини билди. У қилганларидан хижолат бўлиб, ўзидан нафрат қиларди, фойда бўлмади. “Бир подшоҳнинг тасарруфидан хориж бўлган бирор вилоят халқи яхши ният билан унга ишониб, хатлар юборса, подшоҳ ҳам ўша вилоятни рағбат билан ўз тасарруфига киритса, бироқ сиёсатни ҳаддан ошириб, зулм қилса унинг жазоси ва сазоси шу бўлади. Бундай зулмпеша подшоҳга тўпу тўфангдан ўқ отиш, унга шаҳар дарвозаларини ёпиш лозим ва зарурдир”, дея ўзи ўзини маломат қиларди. Оқибат ўйлаб-ўйлаб Ойим қишлоққа, шаҳарнинг қибла тарафидаги мавзегга келиб кўнди. Уч кун қаҳр ва ғазаб билан шу тарафдан кетма-кет шаҳарга кўшинини югуртирди фойда бермади. Кўпчилиги аждардаҳан тўп ўқидан ўлди. Тўртинчи куни Мўйи муборак тарафига ўтиб, сой суви бошидан ҳужум қилди. Шаҳар ичидан тўп ва тўфанг ўқи остига шундай тутдиларки, ўтин боғламига ўхшаб сой тошлоғида ётиб қолдилар. Кейинги икки куни ҳам шу Мўйи муборак тарафидан от чопди, барибир мақсадга етмади. Қалъанинг ҳар бир тиркаши ва буржидан минг-минг ўқ бу одамсурат, чигиртка калла ва бадтийнату беҳуда сўзларнинг бошларига кулфат ва балодек ёғарди. Бу ердан ҳам кўчиб шаҳарнинг шарқида жойлашган Тўқай тепага ўтишди. Мазкур жойдан амирнинг ўзи отга миниб, жаҳл ва ғазабдан офтоб чиқиш тарафидаги Марғинон ва Тоғлиқ дарвозаларига ҳужум қилди. Улар, ҳатто Тоғлиқ дарвозасидан кириб, Навбахор кўчасигача бостириб кирдилар. Бу кунчиқар томонда ўра ва тўғанок йўқ эди. Бу бебок муфсидлар ва нопок муфлисларнинг Тоғлиқ тарафидан шаҳарга кирган хабарлари мусофирнавоз ва душмангудоз шаҳар мудофаачиларига етиб борди. Ҳар бир тўғанокдан сурувни кўрган бўридек ва бўкирган шердек ул ғаддор, нобакор ва беақл палидлар бошига етиб бориб, бало ёмғири ва бедаво дарддек, “Тайран

абобил”³⁰⁹⁸ мисоли “фил асҳоблари”³⁰⁹⁹га ёғиб, ёпишдилар. Дару девор, кўча ва томлардан ўқ жола ва тўфондек ёғди. Душманни кўчаларда уриб, ётқиздилар. Ул бeрoҳаларни йўлини қаттиқ тўсиб, баъзиларини асир, баъзиларини ҳалок қилдилар. Ҳосил калом шуки, ўғил отадан олдин ўлиб, меросдан маҳрум бўлганлар сингари маҳрум ва маҳжур уларни қайтардилар.

Бухоро амири иш қўлдан кетганини, иложсиз қолганини идрок қилди. Давлати қалъасининг деворига раҳна тушганини мушоҳида қилиб, фикрга ғарқ бўлди. Ўзининг давлат арконларига маслаҳат солди. Улар маслаҳат бердиларки, агарда дунёнинг барча лашкарини йиғиб бу мулк устига тўксак ҳам мақсад ҳосил // 56^a бўлмайди. Бу мулк Мовароуннаҳрнинг энг улуғ мулкидир. Соддалавҳлик ва ростсўзлик юзасидан бу мулк аҳолиси бизга ишонгани боис, вилоятнинг тасарруф давлати бизга осонгина ўтди. Олимхон бу ўлка ҳали ободон бўлмасдан олдин Хўжанддан то Самарқанд кенглигигача бир зарб билан қўлга киритган эди. Энди бу мулкдаги ўзбекларнинг шумлигидан муҳолифат оташи ва фитна тутуни бу қудратли давлат асосини заифлаштирмоқда. Соҳибқиронларни тахтдан олиб, бу остона давлатини энг заиф шоҳларга бермоқдалар. Бу ҳудуднинг қимматбаҳо матоҳини йиртиб олдилар. Оқибат бу қавм муҳолифати шумлигидан бу улкан вилоят ва буюк мамлакат душман оти туёғи билан остин-устин бўлмоқда. Агар бу мулкдагилар бошида бизга қаршилик кўрсатганларида, бизларни Зоминдан ўтказмаган бўлардилар. Мусулмончилик юзасидан ва диндорлик важҳидан, султоннинг фиску фужури кўплигидан унга қарши чора тополмай, ожиз қолганлар бизларнинг динимиз ва имонимизга ишониб, бу ўлкани осонгина қўлдан бой бердилар. Энди эса улар билдиларки, мулкларининг хонлари фосиқ ва фожир бўлганлари билан раҳму инсофда бизлардан афзалроқ эканлар. Биздан содир бўлган ишлар натижасида қиёмат кунигача бу икки диёр ўртасида душманлик қалъаси ва адоват девори мустаҳкам барпо этилди. Оқибат бу мулк ҳақиқа нисбатан қилинган бизларнинг ёмон ишларимиздан Бухоро ва Самарқанд мулкларининг аҳволи не бўлғай?!

Назм:

Акнун ду сад фаришта некў гўядаш чи суд,
Дар шаҳрхо ҳикоят ба номи ту рафт.
Ҳар кас кунад бади ба бади мубтало шавад,
Коре, ки кард чарх кунадаш во намуд.
(Мазмуни:
Энди икки юз фаришта уни мақтаса ҳам не суд,
Ахир бутун оламда у ҳақда овоза тарқалди, бўлди.
Ким ёмонлик қилса ёмонликка юзланар,
Кишининг қилган иши олам аҳлига билинар).

Ана шундай сўзлар мажлис аҳли орасида айтилар эди. Амир ўзининг нодонлигидан қилган ишларига пушаймон еб, афсусланарди, бироқ фойдаси бўлмади. Икки ой давомида қамал қилаётган ул яланғоч Яъжуж ва Маъжуж қавми топган нарсаларини ердилар. Шу орада *оқ уйлук* қилинган хўқандликлардан Шоди *додхоҳ* бир неча бошқа амирлар билан қочиб, Хўқандга келди ва Шералихон хизматида кирди. Булар шаҳарга кириб боришлари билан амир аҳволи қалъа ичидагиларга маълум бўлиб қолишини сизди. Бошқа истиқомат қилишни ўзига раво кўрмай, дарҳол Бухоро сари йўл олди. Хўжандни Хожа калон Жўйборийга бериб, суръат билан Хўжанддан ўтиб, хўқандлик барча ой уйлук қилинганларни кўйиб юборди. Шулардан Тангриқули *шиғовул*³¹⁰⁰, Азимбой *қўшбеги*, Солиҳ *судур*, Муҳаммадниёз³¹⁰¹ *парвоначи* ва // 56^b Танди *иноқ*, Муҳаммадкарим *ясовул*, Қотурма *оголиқ* ва бошқалар жамоа бўлиб келиб, Шералихон билан учрашиб, таъзим учун бош эгдилар.

Бухоро амири қайтиб кетгани билан қалъа қурилиши ва хандақ қовлаш ишларини ниҳоясига етказдилар. Шундан кейин мулкдорлик ва кишвар кушойлик ишларини қипчоқия, қирғизия ва сартия эли билан бирга амалга оширмоқчи бўлдилар.

Назм:

Ҳар он шоҳ агар мулк гирад ба зулм,
Пас аз рафтана шўр хезад зи дум.
Ба он мулк аҳкоми ў пойдор,

³⁰⁹⁸ Қуръони карим, 105:3.

³⁰⁹⁹ Қуръони карим, 105:1.

³¹⁰⁰ Шиғовул – элчилар ва чопарларни хон хузурига олиб киришга масъул амалдор. Шу шахс шиғовул бўлганида «Фарғона хирожи ва таноби, закот пуллари, аскариянинг қишлоқ ва ғаллоти, қишлоқ харажоти, саркору амлок таҳқиқи ва ҳисоби, аскария яроғу аслаҳа дафтари» унинг назоратида бўлган. Қаранг: Муҳаммадюнусжон шиғовул. Тарихи Алиқули амирлашкар. // Қўлёзма. Ўзб ФА Шарқшунослик институти хазинаси, №12136, 145-бет.

³¹⁰¹ Муҳаммадниёз понсадбоши (ваф. 1857 й.) – Турсунмуҳаммад ўғли. Тошкент (1852–1853) ҳокими, мингбоши (1854-1857).

Нагардад ба халқ ў кунад уштулум.
Нажўяд Худо ҳаргиз озори халқ,
Бувад бад чу аз куфр озори зулм.
Бозори мардум шаҳи хў кунад,
Кунад риштаи давлат аз даст гум.

Шералихонни ота-боболари тахтига мушарраф бўлиб, тахтга ўтиришининг биринчи йили Хўқанд қалъаси ва хандақини барпо қилгани ҳақида таърих.

Назм:

Шералихон ибн Ҳожихон,
Ҳожихон ибн Абдурраҳмонхон.
Абдурраҳмон ибн Абдулкарим,
Хон, ки буд аз Шохрух он.
Хон Шохрух писар ба Ашурбек,
Буд Ашурхон валад ба Ҳожихон.
Ҳожихон бувад ибн Рустамбек,
Мир Рустам валад ба Шохруххон.
Шохрух ибн Чамашбии нек асл,
Дар насаб онҳо нажоти Бобур дон.
Омада ў ба сооти масъуд,
Мамлакатро ситонд аз адувон.
Ҳамаи мулк дар тасарруфи хеш,
Хужаста ва фаррух бикард дар замон.
Қалъаи кўхпайкари хандақ,
Кард дар даври шаҳр Шералихон.
Таърихашро худ бигуфт чунин,
То бидони бинои ин ал-он.
“Қалъаи кўхпайкаре(ю) хандақ,
Ту (ба)саддайн васл карда бихон”.

“Қалъаи кўхпайкари хандақ” сон ифодасини “пайкаре” сўзининг ўртага тушган ёйи изофаси билан “саддайн”га кўшиб, ҳисобланса таърих келиб чиқади ва у 1258/1842–1843 дир.

Шералихон салтанати даври шундай эди. Хони салимдил ва ва султони асил, ул фақр истовчи шоҳ ва ул малоҳат сўзли шаҳаншоҳ ота ва боболари тахтига қарор топгач, султонлик сажжодаси ва ҳукмронлик жодасида ҳоконлик расм ва русуми билан ўтирди ва фармонфармойлик ҳукмларини жорий қилган вақтида Ёрмозорни Шоди *додхоҳ* ибн Шоҳи *қўшбегига* берди.

Бухоро амири мадади билан Тошканд *ҳокими* бўлган Муҳаммадшариф *оталиқ* ҳузурига давлат арконлари ва мамлакат аъёнлари маслаҳати билан бир доно ва хушгўй элчи юборди. Мулойим сўз ва дилжўй гапларни мулойим ва ширин тил билан баён қилиб, уни итоатга чақирди. (Муҳаммадшариф) элчининг сўзларини ва фасих нутқларини эшитиб, жаҳл ва нодонлик юзасидан, васвоси шайтоний ғалабасидан, нафсоний ғурур ва кибрдан қаттиқ сўзларни одобсизликдан латиф сўзлар ва зариф калималар бадалига айтиб, китобат ипига тортди ва расул билан юборди. Элчи ҳам гавҳар олиб бориб бир хармуҳра (лойдан ясалган муҳр) олиб қайтаётган тожирга ўхшаб орқага мақсадга эришолмай қайтди. // 57^a Ўз шаҳриёрига ёзилган руқъани тотор мушкини олиб келгандек, олиб келди ва ҳамма оламини муаттар қилди. Элчи олиб келган номадан сасиқ ҳиндудан ҳам бадтар хид келарди. Уни Шаралихон хизматига манзур қилдилар.

Назм:

Бо Худододагон ситеза макун,
Худододагонро худо дода аст.
“Туъти ал-мулка”³¹⁰² гуфт дар Қуръон,
Ин надонад ҳар он, ки азод аст.
Сарфарози диҳад ба тожи шаҳи,
Он сареро (ки) аз кибр озод аст.
Ҳар касе нест лоиқи давлат,
Магар аз халқ ў ҳама шод аст.
Он ки бадхў гарчи давлат дид,

³¹⁰² Қуръони карим, 3:26.

Халқро қору бор доду фарёд аст.

Нома мазмуни шундай эди: “Менга бу мулкни на амир берган, на Шералихон. Ким бу мулкни талаб қилса, биринчидан шамшир дамига бўса урмоғи ва ундан кейин мақсуд гулистони ва мурод боғидан гул термоғи лозим. Иккинчидан тўпу тўфанг ва қилич билан жанг қилиб, зафар ва нусратга етмоғи керак бўлади. Базму жанг анжом топиб, мурод ва мақсадга етиш мумкин. Акс ҳолда, бу этаги кенг мулк аруси қўли қисқа, бе сарупо ва ялангоёғларга насиб қилмайди”. Шундай номарғуб ва ноуслуб жавоб ва сўзларни нодонлик билан айтиб, элчини қайтарган экан.

Тавоно расул ва доно *миёначи* қайтиб, олий саройга келиб бемаъни бу сўзларни ва бошқа эшитган калималарни ҳам Шералихон ва давлат арконларига оғзаки ва фасохат билан арз қилди. Сипоҳигарчилик қонунида Бахшанда ва мулк Берувчи шаҳаншоҳдан юз ўгириш исён аломати ва ёмонлик рамзи эканини барча билади. Бадномлик ва бадкирдорликни киши ўзига нисбат бермоғи лозим. Бундай одамнинг устига бориб, билак кучи ва ўқ зарби билан тасарруфга киргизиб, итоат занжири билан боғлаб, ул ерда фармонларимизни жорий қилмоқ зарурдир. Эҳтимол, яна унинг димоғи ва бошида бизларда отланиб, иттифоқ билан юриш ва сипоҳдорлик салоҳияти йўқ деган гумон пайдо бўлгандир? Элчидан эшитган икки калима ва *миёначидан* билган бир неча ҳарф билан кенг мулк ва катта бир шаҳарни қўлдан бой бермоқ ҳаромнамакликнинг аломатидир. Айни шундай фасод хаёллар унинг кўнглидан жой олгандир. Бу ҳудуднинг беадад лашкарини йиғиб, ул ерга бостириб бориш // 57⁶ ва давлатни мустаҳкамлаш, маслаҳатимиз иттифоқини ул мамлакат ва барча вилоятларга, тобе ерларга маълум ва фош қилиш зарурдир. Фарғона мулкидан фитна ва фасод йўқ бўлганини ҳамма билиши керакдир. Давлат забти иттифоққа ва саодат рафоқатга боғлиқдир.

Охир ул-амр, барчанинг иттифоқи билан қўшин жамлаб унга Шералихоннинг ўртанча ўғли Маллахонни амири лашкар этиб, Юсуф *мингбоши*³¹⁰³ қирғизни лашкар *сипоҳдори* ва *сардори* этиб тайинлаб, Тошканд сари азм этдилар. Шералихон эса яқинлари ва кулли *баҳодирлари* билан пойтахтда, салтанат ва давлатни мустаҳкам қилиш учун қолди.

Қўшин Кандир (довони)дан ўтиб, Уйшин қўруғига етиб тушганларида, Гадейбой курамани, Абдурахмон метан³¹⁰⁴ ва минг нафар одам билан келиб, Кураманинг мавзеларидан бири бўлган Бўкага келиб киргани ҳақидаги хабарни эшитдилар. У тамоми тама қабиласини бир жойда йиғиб, яшириниб олган эмиш. Бу хабарни давлат арконлари ва қўшин сардорлари эшитиб, зафаржиловли уловлари тизгинини Бўка тарафига бурдилар. Шу куни Кураманинг маркази бўлган Кировчига келиб кирдилар. Кечаси шу ерда қолиб, эртаси эрталаб бу ердан кўчиб, Кировчи ва Бўка орасидаги бир жойга тушдилар.

Амирларнинг энг яхшиси, *надимларнинг* энг оқили ва хайрият андишали Муҳаммадниёз *ҳидоячини* бир қанча сулҳга тарғиб этувчи сўзлар ва ниятларни ўзгартирувчи карам ва тухфалар билан элчи қилиб юбордилар. Унинг орқасидан зафар асарли қўшин ҳам кўчиб, бир ўқ тегадиган масофада, Бўка қалъасига яқин жойда тушдилар. Мазкур *ҳидоячи* қайтиб келгунга қадар шу ерда истиқоматни ихтиёр қилдилар.

Эртаси мазкур *ҳидоячи* қалъа ичида қамалда қолганлардан эшитганларини келиб, хизмат юзасидан қўшин улуғларига бир-бир айтиб берди. Бемаза калималар ва бепарда куйларни эшитиб, қўшин *сардорлари* жанг ва қатлдан бошқа чора йўқлигини билдилар. Жами туркия³¹⁰⁵, тожикия, кипчокия ва сартия қўшини, айниқса дорус-салтанатнинг жами талон-тарож бўлганлари ва Фарғона мулкнинг аламзадалари бу мухолиф сўзларни ва қарши жавобларни қуршовда қолган бетамиз жамоадан эшитиб, ғалаба ҳайқириқи садосини ложувард юлдузли гунбазга етказиб, Айиқ буржидан то Балиқ буржи остигача тўлдирдилар. Барча тоифаларнинг жўшу хурўши саккиз ошёнадаги курсийга етиб, ғайрат бели ва ҳиммат камарини мустаҳкам бойлаб, жаҳл ва ғазаб билан Бўка қалъаси

³¹⁰³ Юсуфбий, Қўқон мингбошиси – 1259/1843 йили шаъбон ойида Кал Шоди фитнаси билан ўлдирилган.

³¹⁰⁴ Митан/метан – қирғиз-кипчоқларда уруғ номи.

³¹⁰⁵ Турк – ўзбеклар таркибидаги этник гуруҳлардан бири. Турклар тўртта йирик қабила (турк, мусобозори, калтатой ва барлос)дан иборат бўлган. VI–XVI асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига келиб жойлашган. Қадим ва ўрта асрлардаги туркий қабилаларнинг қолдиқларидан таркиб топган. Турклар таркибига турклашган мўғул қабилаларнинг айрим гуруҳлари ҳам кирган. Улар, баъзан, чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланган. Бугун туркийлар моддий ва маънавий жиҳатдан бошқа ўзбек гуруҳларидан фарқ қилмасида, айрим урф-одатлари ва хўжалик фаолияти билан ажралиб турган. XX асрнинг бошларида туркларнинг кўпчилиги тоғлардан воҳаларга кўчиб тушганлар. Улар Бухоро хонлиги ҳудудида, Самарқанд вилояти, Фарғона водийсида жойлашган, айрим гуруҳлари эса Ўратепа, Жиззах яқинида ва Тошкент воҳасида яшаганлар. Турк қабилалари Яхсув, Қизилсув дарёлари водийларида, Хонақодарё, Кофирнихон дарёларининг юқори қисмида, Зарафшон тоғининг ғарбий ён бағриларида, айрим гуруҳлари эса Бухоро воҳасида Шохруд дарёси бўйлаб жойлашган. Барлослар Қашқадарё, Сурхондарё ва қисман Зарафшон водийсига ўрнашган. Мусобозорилар Хонақодарё, Қарши воҳаси ва Қашқадарёнинг юқори қисмида, калтатойлар эса, асосан, Сурхондарёда яшашган (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси).

атрофини аждар ва нахангдек ўраб олдилар. Қаҳрли ўқ ва оташ, тўпу тўфангу жазоир бе ўхшаш беному нанг қамалдагилар бошларига селдек ёғиб, // 58^a Самуд тўфони ва балойи осмоний каби келдилар. Ишбилармон диловарлар ва жанг кўрган, иш кўзини билган беадад аскар ва сон-саноксиз лашкар ул тўғонли қалъа устига бостириб бориб, унинг остига яқинлашдилар. Белу кетмон, гурзига ўхшаш калтаклар билан қалъадаги тўпхоналарни таг-туғи билан кўпориб ташлаб, қалъа ичига кирдилар. Нух тўфонидек қалъа деворларидан, кўча ва бозорлардан бош кўтариб, бир дақиқа ичида шаҳарни ютиб оладиган аждар каби муҳолифларини захарли шамшир дами ва нахангпайкар қилич тигидан ўтказдилар.

Гадойбой ва Абдурахмон метан ҳавохоҳлари билан бирга оғир машаққат билан қинсиз қиличларини олиб қалъадан чиқиб қочдилар. Қалъадаги қамалдагилар, тама жамоаси ва бошқалар зафарасар ва нусратёвар лашкар отларининг туёғи остида қолдилар. Оқибат ул-амр Бухоро амири тарафидан Гадойбой мададига юборилган Абдурахмон метан бир неча минг одамлари билан йўлларида турган Қурама лашкари устидан босиб ўтиб, ваҳимадан қочишни ихтиёр қилдилар. Довюррак диловарлар ва бемислу монанд шердил *баҳодирлар* уларнинг орқаларидан суръат отларини кўйиб юбориб, қувиб олиб баъзиларини қатл ва баъзиларини асирга олдилар. Гадойбой ва Абдурахмон метан зиёда машаққатлар, ўлимга келтирадиган азоблар билан тиғи тез дарёлар мавжи ва тиру тўфанг ўқларининг жўшишидан нажот соҳилига етиб, Тошкандга кирдилар. Худо ёр бўлган лашкар ва диловар аскарлар Бўка қалъаси ва тама жамоасини талон-тарож қилиб, ғорат қилдилар.

Назм:

Ҳар он хурди жоҳил кунад саркаши,
Ба тиғи бузургон кунад ў маши.
Надорад ҳар он кас, ки поси намак,
Бимонад бад аз Само то Самак.

Бир-икки кун шу ерда истиқомат қилиб, кейин у ердан кўчиб Пискент³¹⁰⁶ мавзеига келиб тушдилар. Бир кун бу ерда туриб, иккинчи куни кўчиб Тўйтепани эгалладилар. Рамз билуви жосуслар ва суҳандон айғоқчиларни Тошканд катталари аҳволини билмоқ учун юбориб, маслаҳатписанд *надимлар*, номдор сартия ва тошкандлик тожикларга хабар юбордилар. Пайғом ва хабар етиб келиши билан Тошканд калоншавандалари Бек Муҳаммад *оқсоқол*, Домулло Солиҳбек *охунд*³¹⁰⁷, тожик Зухур *эшикоғоси* кабилар ва бошқа улуғлар ўзаро келишиб олиб, иттифоқ билан ўз тарафларидан ярим тунда Бек Муҳаммад *оқсоқолни* кўп ваъдалар билан чиқариб юбордилар. Нома ёзиб дорус-салтанат кўшини кўнглини хотиржам қилдиларки, ташвиш тортмасдан, кўрқмай хосу ом фориғболлик билан журъат қадамларингизни бардам босиб келаверинглар. Сизлар ташқаридан бизлар эса ичкаридан, иттифоқ // 58^o тузиб бу биёбон қозоқлари ва чўлистон ғулларини орадан кўтариб, бу мулк ойинасини зулмат келтирадиганлар зангидан тозалаймиз.

Кўшин катталари хат мазмунидан воқиф бўлгач Бек Муҳаммад *оқсоқол* кўнглини ваъдалар билан тўлдириб қайтардилар. Мазкур *оқсоқол* ҳам хотиржам ва кўнгли тинч қайтиб келиб, кўшиннинг саранжомии ва тадбирини тилга олган Тошканд катталарига етказиб, уларни ҳам хотиржам қилди.

Бек Муҳаммад *оқсоқолни* кузатиб бўлиб, Юсуф *мингбоши* кўшиннинг барча *саркардаларини* йиғиб, Тошканд вилоятининг улуғлари хатини ўртага ташлади. Хат мазмунидан уларни хабардор

³¹⁰⁶ Пискент/Пасткент – Тошкент вилоятида туман номи ва унинг маркази.

³¹⁰⁷ Мулла Солиҳбек охунд – тўлиқ исми Мулла Солиҳ охунд додхоҳ Қозоқбой Убайдуллабек ўғли (1805, Тошкент – 1868, Томск, Россия) – давлат арбоби, уламо, мударрис, Подшо Россияси кўшинларига қарши Тошкент мудофаасининг раҳбари. Отаси – Қозоқбой-бек Қўқон хонлигининг энг нуфузли кишиларидан бири бўлган, унга додхоҳ унвони берилган; Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган ишларда унинг маслаҳати муҳим аҳамият касб этган. Солиҳбек охунд дастлаб Тошкент мактаб-мадрасаларида, сўнг Бухорода (1832–1842) таҳсил олиб, охунд илмий унвонига сазовор бўлган. Шералихон (1832–1844) томонидан юборилган «Муборакнома»га мувофиқ хон саройида маслаҳатчи вазифасини бажаради, кўп ўтмай Тошкентга қози ва раис ҳамда Хожа Ахрор, Кўкалдош мадрасаларига бош мударрис лавозимига тайинланади. Худоёрхон (1862) даврида ҳам унинг мавқеи кўтарилади. Маллахон тахтга келгач (1858–1862), Солиҳ охундни Қўқонга чақиртириб «Қозилик ва бошқа амалларга» ёрлик беради. Султон Саидхон (1863–1865) даврида ҳам хоннинг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлган. Аликули билан бирга ва у шахид бўлгач, яқка ўзи Тошкент мудофаасини бошқаради. Барча маблағини шаҳар муҳофазаси учун сарфлайди. Генерал М. Черняев билан ўртада тузилган шартнома аҳдларини тузишда фаоллик кўрсатган. Бу шартнома қабул қилиниб, ўртада «Аҳднома» битилгач, қутилмаганда Черняев шартномани бузиб, ўз хоҳишига мос келадиган 2-шартномани тузади. Солиҳ охунд унга имзо чекишдан бош тортади. Шу сабабли 9 нафар шериги билан судсиз Томск шаҳрига сургун қилинади. Тошкент шаҳрининг 37 нафар нуфузли кишилари Солиҳ охундни сургундан қайтариш учун императорга «Илтимонома» (1867) юборадилар. Унга қайтиш учун руҳсат берилганлигини эшитган рақиблари одам ёллаб Солиҳ охундни захарлаб ўлдирганлар. Муфассал қаранг: Солиҳбек додхоҳ / Тузувчилар: О.Бўриев, Н. Убайдуллабек ўғли. – Тошкент: Фан, 2006. – 104 б.

этди. Рисоланинг хайриятанжом мазмуни ва паём сири фош бўлганидан кейин барча *саркардалар* фотиҳасар кўшин ва шукуҳатвор лашкар бариси билан жанг асбоби ва ному нанг олотини хотиржамлик билан тартибга келтириб, Тўйтепа устидан кўчиб, Кавардон мавзеига келиб кўндилар.

Бу ваҳшатасар хабар Муҳаммадшариф *оталиқ* қулоғига бемаҳал хурўс қичқириғидек етиб бориб, ғайрат ва номус жиҳатидан ноилож Тошканд кўшини билан Солордан ўтиб, Талоғуч тепада кўнди. Қозоқларнинг санчиқли уруғига эътимод қилиб, хайма ва хиргоҳларини барпо этди ва жангу мухорабага тайёр бўлиб турди. Валекин нусратасар лашкарнинг жосуслари ҳар соат Тошканд муҳолиф лашкаридан хабар етказиб турардилар. Дорул-аморат лашкари тошкандликлар, андийлар ва чўлдагиларнинг муҳолифатини эшитиб, хурсанд бўлардилар ва буни яхши фолга буриб, фатҳу нусрат сабаби деб билардилар. Дорул-аморатнинг барча *саркардалари* кеча бошида Юсуф *мингбоши* хаймасида жам бўлиб, мажлис барпо қилдилар ва иттифоқлашиб шундай қарорга келдиларки, ҳазрати фаттоҳи зул-матин бизнинг Фотиҳ ва Носиримиз бўлади. Чошт вақти барча ўқчи *мерганлар* ва *тўпчиларни* йиғиб олиб, лашкар муқаддимасига жойлаштирамиз, *мерганлар* орқасидан бутун лашкарни кўш ва фалтарига қарамасдан юбориб, ул пароканда жамоага, хайиққан зоғларга тошу оташ ва ўқ ёмғирини жоладек тўкамиз. Аллоҳ таолонинг бениёзлиги ва ҳожатсизлигидан барчамиз якдил ва пурдил бўлиб, *мерганлар* орқасидан ғайрат билан от кўйиб чопамиз.

Бу маслаҳат барча давлат арконлари ва салтанат аъёнларига маъқул бўлди. Жами одамлар, ҳамма хосу ом бир-бирлари билан қасамёд қилиб, зафартароват ва нусраталомат кўшин орасидаги кудурат, муҳолифат ва мухосиматни буткул йўқ қилдилар. Ҳамма якдил ва якжиҳат бўлиб, ўша кеча Чирчиқ сувининг жанубида Хўқанд кўшини, сувнинг шимолида Тошканд // 59^а ва Дашти қипчоқ кўшини кун чиққунча кўрқиб турдилар. Эрталабгача бир-бирларига *ировул, чандовул* кўйиб, ухламай чиқдилар.

Султони ховар мунаввар байроғини бу мудаввар осмон сахнида қадаганида нусратасар ва зафарёвар лашкарнинг аламдорлари байроқни Дашти қипчоқ сахросида ўрнатганида, ул ҳудуд чўлларининг фазосини беадад ва тезюрар лашкарнинг тўриқ отлари туёғи чангу ғубордан тўлдирди ва кунни қора тунга, ҳавосини мовий рангга айлантирди.

Катта давлат билан Чирчиқдан ўтиб, барча *мерган* ва *тўфангчилар*, *ўқчиларни* ҳар қайси тўпдан йиғиб олиб, Худо ёр бўлган лашкар муқаддимасига кўйдилар ва улар пешжанг бўлдилар. Икки жонибдан пешжанг *мерганлар* икки нафар азамат ва босавлат саракардаларни номзод қилиб, тайинлаб уларнинг раҳбарлигида қолган давлат арконлари кўшин билан бирга кўшу фалтари билан жўш урган дарё каби ва Қулзум денгизи каби аста-секин душман устига бостириб бордилар. Пурнифоқ бўлган Дашти қипчоқ кўшини Фарғона лашкарини девона филдек тез суръат билан, дарёни ютаман деган наҳанг мисоли ғайрат ва журъат, наҳангни ҳам ютаман деган аждар каби келаётганини кўрдилар. Ул бир гала авбош ва бир тўп ваҳший бебош лашкари тўп-тўп ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб, бир-бирларига айтардиларки, булар ўз тахтидаги ҳукмдорларидан, молу жонларидан айрилган, талон ва тарождан хароб бўлган халқдир. Ўша маҳалда улар душман торожига дуч келиб, Фарғона билоди бизлар томонидан ғорат қилинган эл булар. Улар фил ва бўридан кўрқмагандек, ўлим селидан ваҳимага тушмаганлар каби андиша қилмасдан найистонга тушган ўтдек, ўзларини элотия лашкарига урадилар. Ўлиш ва асир тушишдан парволари йўқдир. Бошқа тарафдан муайян кўз ва мушоҳада назар билан лашкар кўплиги ва аскария далирлари бисёрлигини кўролмадик. Зафар ва нусрат улар томонида эканини тан олмадик.

Шундай қилиб, тафаккур ва ҳайратнинг жўшу хурўши, аждарнафас тўп ва наҳангпайкар тўфанглар овози жанггоҳ сахросида тарқалиб, қаплон тимсол жазоирлар садоси чакмоқдек сўйишгоҳ ҳавосида чакнарди. Далирлардан ҳар бири маст шердек зўрлик панжаси ва билагини хасм ўлжасини олиш учун очиб, ажал каби ёқадан ушлаб, тўсатдан пуртоб камонлар ва суръатли пардек учадиган ўқларини душман кўкрагини тикиш учун парвоз қилдирардилар.

Бу аломатнинг мушоҳадаси ва бу ҳолат муқаддимасини қозоқ лашкари ва барча бешафқат қавм мажмуи кўриб, ваҳимадан тепаликлардан бир-бир пастга қараб тушиб, нажот йўлини қидираётганда, Худо ёр бўлган лашкар ва номдор аскар тўп ва милтиқ пиликларига ўт бериб, Самандардек хашм олови ёниб кетиб, жазоир ва тўфанглардан ота бошладилар. Қозоқлар гуруҳи санчоқсиз // 59^б қолиб, тўпу тўфанг ўтига тоб келтирмай чекинишга юзланиб, қочиш йўлига кирдилар.

Галаавбош қозоқларнинг тарқалиб кетишлари, бебош кигизли қалпоқ кийганларнинг пароканда бўлишлари, олти уруғ алашларнинг қочишларидан кейин, йиғилишиб *Оталиқ* туғи тарафига от чоптилар. Лашкар дарёси мавжларининг пўртанаси ҳайбатидан ва тоғ гавдали саман отларнинг туёғидан *Оталиқ* кўшинига кўрқув ва ҳадик тушиб, қочишга юзланди. Пешжанг *мерганлари* ва номусу нанг диловарлари ҳаракатидан кўшу фалтар, хиргоҳу чодарга қарамасдан қолганлар ҳам қочоқлар кетидан тез суръат билан қочдилар. *Мерганлар* уларнинг орқаларидан

душманга ўқ отиб, олдига суруб кетардилар. Минг машаққат билан айрим қочганлар шаҳар ичига кирдилар, баъзилари эса киришга ожизлик қилиб, ён-атрофибга тарқалиб кетдилар, айрим кишилар эса асирга тушдилар.

Назми турки:

Бир милтиқ ила қочар қозоқи гала сағ,
Андоқки қарайлоқ эшитса қарсак.
Авбош элидин умиди номус этмак,
Андоғки заған ила бозни яксон билмак.

Назм:

Ба як ҳамлаи тир карданд фирор,
Қозоқ пароканда ба сад ҳазор.
Агар сад бувад марди корозмой,
Беҳ аз саду дусад мардаки нобакор.
Кунад кори мардон ба номусу нанг,
Зи жон гузашта то кунад кору зор.
Дар он рўзи жанг мард бошад далир,
Ки то ў кунад жон фидо рўзи кор.

Қозоқлар тоғ ва дашту саҳрода зоғларга ўхшаб тарқалиб, дашту тоғ шохларида бойўғлидек яшириниб, биёбонларда йўқ бўлиб кетдилар. Оталиқ ҳам минг машаққат билан қалъа аркига ўзини олиб, яшириниб олди. Нусратпаноҳ қўшиннинг *мерган*лари қалъани қамаб олдилар ва нусратойин қўшин етиб келгунга қадар барқарор турдилар. Бир неча соатдан кейин нусрат билан зийнатланган лашкар ва хурсандчиликка қарин бўлган аскар, барча сафни ёрувчи арслонлар, йиртқич наҳанглар хужумидан *Оталиқ* қўшини, лашкариясининг қўшлари чодару хиргоҳ ва саропардаю боргоҳ, ақмишаю ажнос, аскария ва ғайри аскарияга тааллуқли бўлган ва бўлмаган ашёларни барисини ташлаб қочдилар. Уларнинг бариси талон-тарож бўлди. Нусратпаноҳ *мерган*лар жангчи пешдав аскарларнинг орқасидан катта нусрат ва хурсандчилик билан келиб, арк дарвозаси олдида тушдилар. Бир соат ўтмасдан Муҳаммадшариф *оталиқ* ўғли ва укасини аркони давлати ва аёни салтанати билан бирга // 60^а олий тўшак худованди (эгаси)нинг давлатхоҳлари ва тилло тахт соҳибининг намакхўрлари хизматига чиқариб юборди. Минг тамаллуқ ва ювошлик билан узр сўраб, арзга етказдики, неча йиллар бўлди фалакка тенг даргоҳда Муҳаммадалихон хизматида хизматкорлик устбошини елкамга ташлаб, фармонбардорлик камарини жоним белига бағлаб, итоаткорлик ҳалқасини қулоғимга осган эдим. Оқибат манғитлар билан бўлган ҳарб ва жангда асир ва тутқунликка тушиб, Бухоро амири олдида мужрим ва гуноҳкор бўлдим. Уқубатга сазовор ва кулфатга лойиқ, балки қатлга вожиб эдим. Марҳамат ва хатопўшлик, карам ва кечирувчанликдан чорасозлик юзасидан мани сарафроз этиб, амир Тошканд ҳукуматини менга бахшида этди. Шунинг учун сипоҳгарлик расму русуми юзасидан ва Бухоро подшоҳининг яхшиликларини унутмаслик учун бундай нописанд кирдор ва бундай ношойиста рафтор, иложсизлик ва кудуратдан сизларга нисбатан мендан бу иш содир бўлди. Подшоҳ шафқати баробарида, шаҳаншоҳлик ҳукумати қаршисида кўрнамаклик ва ҳурматсизлик қилиш инсофдан эмас. Энди ихтиёр сизларда. Давлат бошқаруви низомидан келиб чиқиб, қандай муомалани менга нисбатан раво кўрсангиз, мен каби бахти қайтган, бало урган, давлати кетган, беанжому бесариштага бажо келтиринглар.

Бундай узрли сўзлар, тамаллуқли гапларни баён қилгандан кейин қаср ва ҳарамдаги иззат сарири ва адолатли хусравий тариқини ташлаб, уйни жума куни ойидек тарк этиб, содиқ кишилар қалбидек душманлик, гина ва кудуратни унутиб, қаср ва ҳарамни ташлаб кетди. Барча яқинлари билан бирга чиқиб бошқа жойда сокин бўлди. Бандаларга сазовор, фармонбардор хизматкорларга лойиқ, бошлари эгик кишиларга лозим кўринадиган муомалани кутиб, таслим бошини салтанат саройининг ато ва кечириш этагига ташлади. Умид ва бош эгиклик билан Худо тақдирига, осмон балосига рози бўлиб, собир турди. **Назм:**

Бандаро меҳнате расад жуз сабр ўро чора нест,
Ҳар чиз ояд аз қазо шоҳу гадоро чора нест.
Аҳли дунёро ба саҳти, ки масмум кардаанд,
Нест суде жуз кашидан дафъи ўро чора нест.

Амирлашкар аскар солорлари ва аскар арконлари ҳамда лашкар номдорлари билан катта давлат, мислсиз иззат билан қалъа ичига кириб, султонлик қоидаси ва жаҳонбонлик ва мулкдорлик расм-русумини барпо ва шарият аҳкомларини жорий қиларди. // 60^б Бул мулкнинг ҳар бир аёни кўнглини кўтариб, амал ёрлиқлари билан сарафроз қилди. Улуғ саййидлар ва ҳурматга лойиқ уламо,

икромли умаро ва фузалого, вилоятнинг жами акобирига сарполар берди ва уларнинг фахр бошларини чархга етказди. Дашти қипчоқ ва қозоқ *бий*ларига атласу кимхоб, кийим ва либослар ҳада қилиб, уларни ҳам бошларини кўкка етказдилар. Бу билод қишлоқлари *оқсоқол*ларига ҳам сарполар буюриб сарафроз этиб, кузатиб қўйдилар. Бироқ, уларни кузатишдан олдин барча қозоқия ва сартиянинг *оқсоқол* ва *бий*лари олдида Муҳаммадшариф *оталиқ*ни укаси ва фарзандлари билан олиб чиқиб, анча мазамат қилиб ва танбиҳ бериб Шералихон хизматига юбордилар.

Нусратпаноҳ қўшин бир ой бу ерда истиқомат қилиб, Тошканд вилояти ва Дашти қипчоқ мамлакатини тартибга келтирдилар ва маслаҳатлашиб Тошкандни Шералихоннинг катта ўғли Саримсоқбекка бердилар. Муҳаммадкарим Калла Марғиновични мазкур мир тарафидан Тошканд ҳокими қилиб тайинладилар, чунки Саримсоқбек ҳали пойтахтда Шералихон хизматида қолиб кетган эди. Шунинг учун мазкур мир йўқлигида вақтинча Тошканд ҳокимлигини Муҳаммадкарим Каллага бердилар. Дорул-аморатнинг жонсупор *ходим*ларидан бўлмиш Даврон *додхоҳ* тожикни *баҳодир*боши этиб, амирлашкар қилдилар ва сипоҳ иши ва аскария йигитлари ишларини унга топширдилар. Кейин қайтиш учун йўлга чиқиб, Тўйтепага келиб тушдилар. Эртаси Кавардонга келиб, икки кун шу ерда тўхтадилар. Қурамани ҳам бир ишбилармон садоқатли *ходим*ларга бериб, азимат жоловини Хўжанд сари бурдилар. Икки кун суръат билан йўл босиб, учинчи куни Хўжанд дарёси соҳилига келиб қўндилар.

Шу вақтда Хўжанд вилояти ҳукуматини Бухоро амири Хўжа Калон³¹⁰⁸ Жўйборийга берган эди. Садоқат ва муҳаббатдан яқрагил ва биржихатликни ўртага солиб, жанг ва жадалсиз, муноқиша ва жангу савашсиз, қатл ва хархашасиз Хўжандни Шералихонга берди. Катта иззат ва ҳурмат билан Шералихон хизматига келган Хўжа содоти уззом ва олиймақом хўжалар қаторидан келиб, энг баланд ва аржуманд жойни эгаллади. Давлат арконлари // 61^a зафарасар қўшин билан Хўжандга бориб кирдилар. Бир кун шу ерда қолиб, Нов ва Қўштегирмонга қўшинни юбориб, бу ерларни ҳам фатҳ қилдилар ва ишончли, қўлидан иш келадиган мулозимларни ҳукумат устига қўйиб, обрўйи тамом ва яхши саранжомлик билан қайтиб келдилар. Фируз ва фараҳманд бўлиб, дорул-аморатга кириб бориб, остонани ўпиш бахтидан баҳраманд бўлдилар. Хизмат қилган ҳар бир жонсипор кишини хизматига яраша мос мартаба бердилар, лойиқ карам кўрсатдилар, шахриёрлик амалга ёрлик бериб бошларини баланд кўтардилар. Бахти қайтган *оталиқ*ни укаси Абдуали билан бирга қатл қилдилар.

Бир муддат ўтгач Шералихоннинг катта ўғли Саримсоқбекни Муҳаммадалихон давридаги баъзи умаролар Азимбой *қўшбеги*, Таниқули *додхоҳ* ва бошқа хўқандлик ишбилармон мулозимлар билан бирга Тошканд ҳукуматига юбордилар. Мазкур мир (Саримсоқбек) бутун анжом ва ишларни саранжом қиламан деб, Тошканд сари азм этди. Суръат билан йўлларни қисқартириб, андак кунларда Қўйлик мавзеига етиб келди. Муҳаммадкарим калла ва Даврон *додхоҳ* Тошканднинг умаро, уламо ва фузалоси билан унинг истиқболига чиқиб, иззат ва ҳурмат билан шаҳар ичкарасига олиб кирдилар ва хотиржамлик билан давлат устига устивор қилдилар.

Бир неча кун ўтгач фитна солувчи Мусулмонқули³¹⁰⁹ қипчоқ Хўқанддан чиқиб, қипчоқлар орасига борди ва Шаҳрихоннинг Оқ тепа мавзеида қипчоқияни йиғиб, дорул-аморатга муҳолифат ва душманликни бошлади. Унинг муҳолифат бошлагани хабарини Шералихон ва давлат арконларига етказдилар. Давлат арконлари иттифоқи билан қўшин йиғиб қипчоқларга қарши равона бўлдилар. Икки кундан кейин Шаҳрихоннинг ғарбидаги қўриққа тушдилар. Лашкар сардори бўлган Юсуф *мингбоши* қипчоқларга қарши жангга катта рағбат кўрсатарди ва барча лашкар ҳам уни қўллаб-қувватлаб камарларини белларига маҳкам боғлаган эдилар. Бироқ, Марғинович ҳокими Шоди *додхоҳ* орага тушиб жангу жадални манъ қиларди. Маслаҳатлашиб Шоди *додхоҳ*ни *мингбоши* этиб, Юсуф *мингбоши* қирғизни Марғиновичга *ҳоким* қилдилар. Бу маслаҳат қипчоқларга маъқул тушиб, ярашдилар. Мусулмонқулини қипчоқларнинг бошқа сардорлари билан Шералихон ҳузурига олиб келдилар. Давлат арконлари маслаҳатини Шералихонга арз қилдилар ва Шоди *додхоҳ*ни *мингбоши*лик мансабига тайинладилар. Марғинович Юсуф *мингбоши*га берилди. Мусулмонқули Андижон ҳокимлигига тайинланди ва қипчоқлар унинг ихтиёрига берилди.

Кўп ўтмасдан Тошкандга юборилган Муҳаммадназар Сақов³¹¹⁰ бир неча вақт у ерда туриб, кейин қочиб қирғизия жамоасига қўшилиб Қайнотаси ва қайинукалари билан ихтилоф бошлагач,

³¹⁰⁸ Хўжа Калонтўра – асли номи эшон Зоҳидхўжа. Хўжанд (1842–1843) ҳокими ҳам бўлган. 1853 октябрида вафот этган.

³¹⁰⁹ Мусулмонқули қипчоқ/чўлоқ – 1842 йилдан Қўқон хонлигининг сиёсий майдонига келган қипчоқларнинг машҳур пешволаридан. Уч марта мингбошилик мансабига кўтарилган. Худоёрхоннинг отолиғи ва қайнотаси. 1844–1852 йиллар давомида хонликни бошқарган. 1852 йили кузида қатл этилган.

³¹¹⁰ Муҳаммадназарбек ибн Ирисқулибий – Муҳаммадназарбек қўшбеги – хонликда бу ном билан иккита Муҳаммадназарбек маълум. Иккаласи ҳам қўшбеги унвонини олган. Бири Муҳаммадназарбий Кўрўғли қипчоқ, етти қашқа уруғидан. 1840 йилда Шаҳрихон ҳокими. 1852 йили Худоёрхон фармони билан бу вазифадан олинган. Иккинчиси Муҳаммадназарбек Сақов ибн

Тўрақўрғон баҳодирбошиси бўлган Муҳаммадназар Қулоқ билан тил бириктириб, иттифоқда ва Мусулмонқули маслаҳати билан Тўрақўрғон ҳокимлигини олди. Муҳаммад Назарбекни келиб Тўрақўрғонни олганида Мусулмонқули Андижон кўшинини олиб Мирободга келиб кўнди. Ўша вақтда Шаҳрихон саркори Танди *иноқ* эди. Қипчоқия жамоасидан Муҳаммадназар Кўрўғли, Санжар авлодидан, ўз авлоди ва жамоаси билан Танди *иноқ* устига борди ва уни ўз итоатига киритиб, Шаҳрихонни забт этди. Кейин келиб Мусулмонқули кўшинига кўшилди. Қипчоқлар жамоаси такмил топиб, у ердан кўзғалиб Балиқчи мавзеига келиб тушдилар. Эртаси бу ердан кўчиб, Норин дарёсидан ўтиб, Кафа мавзеига тушдилар. Икки-уч кун бу ерда барқарор туриб, икки дарё (Дуоб, Иккисув) оралағида *қил қуйруқ* солиб, Тўрақўрғонга бориб тушдилар. Бу ерда ҳам беш-олти кун туриб, сартия ва элотия кўшинларини йиғиш учун киши юбордилар. Бу фитна солувчи хабар ва шўрангиз муҳолифат овозаси тахт кўриқчилари қулоғига бориб етди. Давлатхоҳлар Шералихонга хабар берганларида, у бу маслаҳатни давлатхоҳларига ҳавола этди. Давлат устунлари Саримсоқхонни Тошканд кўшини билан бирга келишига қадар таваккуф қилишни жоиз деб билдилар. Шу орада Шоди *мингбоши* кутмасдан кўшинни буюриб, Хуррамсаройга келди. Оқиллар қанча манъ қилсалар ҳам фойда бермади. Шу куни суръат билан йўл юриб, дарёдан ўтиб Хуррамсаройга тушди.

Назм:

Он, ки ў оқибат шуд мунтазир,
Сар баровард зи иттифоқи сар.
Он саромад, ки оқибатбин нест,
Шуда аз оби чашм доман тар.
Ва онки бар мулкдори шоҳон,
Ройу тадбири оқилон хуштар.

Эртаси Чуст ҳокими Раҳматуллоҳ киши юбориб, // 62^a кўшинни Чустга олиб келиб туширди. Бошқа тарафдан қипчоқлар ҳам келиб Чустнинг шарқида, бир фарсанг узоқликда жойлашиб, ором ва қарор топдилар. Эртаси чошт вақтида қипчоқлар сафларини ростлаб келиб турдилар. Қипчоқлар тарафидан бир элчи келиб арз қилдики, Шоди *мингбоши*дан бошқа кишига ғаразимиз ва даъвоимиз йўқ. Маслаҳат қилдиларки, уни ушлаб берсак бадном бўлиб, номимиз ёмонга чиқади. Яхшиси Мусулмонқули ул ёндан, Шоди *мингбоши* бу тарафдан чиқиб, ўртада учрашиб бир қарорга келсинлар. Сўз билан уни алдаб, макр ишлатиб кўлга олсинлар. Бу маслаҳат ёқиб, маъкул тушди. Бу берилган маслаҳат асосида тадбир ишлатиб, давлат кўриқчилари ҳам уни маъқулладилар.

Хурсандчиликдан орқасига йигирма-ўттиз нафар найзачиларни пистирмага кўйиб, махфий тарзда олиб келди. Мусулмонқули келиб икки лашкар дарёси ўртасида турди. Киши жўнатиб деди: бизни Шоди *мингбоши*га бир-икки сўзимиз бор. Бошқа ғаразимиз йўқ, бировни кераги ҳам йўқ. Биз Шоди *мингбоши* билан бир-икки оғиз гаплашиб, музокара қиламиз, аҳду паймон, биродарликни ўртада барпо қиламиз. Икки лашкар ўртасида сулҳ учун музокара қиламиз тоинки, бу оламни зилзила ва кўзғолишга солмайлик. Бу фосид хаёлларнинг шарбати шу иккаламининг димоғу мизожларимиздадир, бир-биримизга косадорлик қилиб, мақсуд майидан бир-биримизни саршор қилсак ва бир-биримизнинг кўлларимиздан соқийлик қилсак. Муддао гулидан хуш ҳидларни ҳидлаб, душманлик кудурати зангини дилимиз ва димоғимиз ойинасидан артиб ташласак. Бу маслаҳатому сўзлар ва мавофиқатангиз мақолаларни давлат арконлари ва Шоди *мингбоши* эшитди. *Мингбоши* отга миниб энди бир юз қадам чопган эдики, ўнг кўли томонидан уч-тўрт найзадор найзаларини кўтариб, Шоди *мингбоши*га от кўйиб ташландилар. Мазкур *мингбоши* бунни кўриб, лочин чангалидан халос бўлган сайд каби кўшин кўзи олдида отини учган қушдек учириб қайтарди. Найзадорлар ҳам бургутдек чангаллари тирноғини очиб, унинг орқасидан кувиб хаймаси олдигача келдилар ва қайтиш ниятида бўлдилар. //62^b Бу ғариба ҳолат ва ажиба воқеани кўшиндагилар кўриб, мушоҳада қилдилар ва сардорлар ва кўшин катталарига нафрат тилларини очиб, лаънатлардиларки, бу не хурматсизлик ва не заифтийнатлик? Ўз лашкари сардорини ҳам душман олдида забун ва хору зор қилишадими? Охир-оқибат фитначилар феълининг шумлигидан ва бу душманларининг ёвлигидан ушбу вилоят ва музофот забун ва оёқ-ости бўлади. Бу исёнчиларнинг шумлигидан зиён кўриб, қанча мусулмон қатл этилажаги, хотинлари тул, фарзандлари етим қолажагини эрта кўрармиз, ҳали.

Шоди *мингбоши* ҳам: “Бу қандай сипоҳигарчиликнинг муомаласи ва қандай мардликнинг қилмишидир? Мани чўл йиртқиқлари ва саҳро бўриларига ташлаб, ўзларингиз эсон-омон хаймаларингизда тулкидек бошларингизни думларингизга қисиб, думларингизни қоринга босиб

Ирискулибек минг – Муҳаммадалихон онасининг тоғаси. Шу Муҳаммадназарбек 1842–1843 йй. парвоначи унвонида Наманганда ҳоким бўлган. 1852-1853 йй. Хўжанд ҳокими. 1865 йилдан Қошғарга кетиб Яъқуббек давлатида хизмат қилган.

турибсизлар?! Сизлар мани ҳалокатим эвазига тирик қолишни ғараз қилиб турибсизларми? Қачон бу авбоши бебош ва пурхош галасининг қўлига иш ва тадбирнинг ипи тегиб қолса, ўшанда хомтама бўлиб, ҳаётингиздан умид узишингиз маълум бўлади. Бу йиртқич чўл ваҳшийлари ва бераҳм тоғ хайвонлари каби аксарингизни ситам панжалари билан ҳалокат жарлигига ташлайдилар. (Ёки) ўзларининг мурдор ва ҳаром табақларига сизларни ҳамтабақ ва шерик қилишади. Бу фосид ҳаёлларингизга умид қилмай, бу ноумид ҳасадчилар галасидан билкул юз ўгириб, тайёр бўлингизки, бу дарднинг давоси фақат жанг ва тўпу тўфанг ўқидир. Одамга ўхшаш айиқлар ва арслонлар адоватига малҳам бошқа чора ва тадбир йўқдир”, деб баланд овоз билан шундай аччиқ сўзлар ва шўрангиз калималарни айтди.

Лашкариянинг барчаси шундай куйдирувчи сўзлар ва дилни эзадиган ишоратларни эшитиб, бирдан ҳаммалари шовқин-сурон кўтариб, маркабларига миндилар ва туғу байроқларни кўтариб, кипчоқия тарафига юзланиб йўлга чиқдилар.

Назм:

Мажў зи мардуми саҳронишин ҳусни маош,
Ки лозим аст бо ин музиёни тиғу талош.

Аср ва шом намози вақтида иккала қўшин бир-бирига қарши турдилар. Шу пайтда Юнус тоғлиқ ўз туғи ва байдақи билан кипчоқия қўшинига бориб қўшилди. Мўминхўжа тожик ҳам туғ ва байдақи билан шундай қилди. Баъзи фитначи тил бириктирганлар ва мунофиқлар ҳам, қарасалар, фитна қозони қайнамоқда, қон қайнаши айни хурўшда. Дарров вақтни ғанимат деб билиб, бахтсизлик хоқини бошларига пош бериб, бирин-кетин кипчоқия қўшини ичига бориб қўшилдилар.

Шоди *мингбоши* қўшин аҳволи ва лашкар авзои ўзгарганини билди ва зорий қилиб *махрамлар* ва *галабаҳодирлар* тўпига ўзини солди. // 63^a Фалакка тенг саройнинг *махрамлари* султонлик даргоҳининг амирзодалари, олий дарборнинг *галабаҳодирлари* уни ўрталарига олиб, ичкаридан жой бериб, ҳимоясида турдилар. “Ўз сардорини жангу жадалсиз қўлдан бериб юбормоқ одамгарчилик ва марду мардоналик қоидаларидан ташқаридир, яхшиси урушга тайёр бўлиб турайлик”, дердилар улар. Маслаҳатни шунга қарор бериб, энди жанг ва урушни бошлаймиз деганларида Муҳаммад Назарбек туғ ва байдақи билан келиб, салтанат боргоҳининг *галабаҳодирларини* ўз туғига қўшиб олди ва шу билан жанг осеби ва тўпу тўфанг ўқидан қутқарди. Аста-секин, мулойимгина сўзлаб, яхши гаплар ва кўнгил сўраб (*мингбошини*) қўшига, ўзининг хаймаси ёнида олиб келиб туширди. Агарда у шундай мадуро ва мураса йўлини қилмаганида иш жанг ва ўлдиришлар билан якун топарди. Чунки, ул замонда икки тарафнинг сипоҳигарчилик номуси ўша маконда жунбушда ва ҳаракатда эди.

Кипчоқия ичида бўлган хўқандликлардан Муҳаммад Назарбек Қулоқ, Мўминхўжа, Юнус тоғлиқ ва баъзи бошқа бирлари Мусулмонқули ҳузурига келиб махфий тарзда қуйидагича арзига етказдилар: ҳозир сартия ва кипчоқия эли ўртасидаги адоват ва надоматни қиёмат кунигача “тошда битилган нақш каби” қоладиган вақти ва пайтидир. Кали Шоди³¹¹¹ ўзини султонлик даргоҳининг ота ўғлилари ва фалакка тенг хоқонлик саройининг *галабаҳодирлари* ичига ташлаган. Улар эса ору номус ва нанг деб, қаттиқ жангга талабгор бўлиб, белларини қаттиқ боғлаганлар. Номус учун урушганларнинг ўртасида ғолиб ва мағлуб бўлмайди, муҳораба ва муқотала, мужодада ва талашиш адолат чегарасидан чиқиб кетади, кўп бандаларнинг қони (беҳуда) тўкилади. Бу бадномлик эса қиёмат куни қойим бўлгунча сенинг гарданингда қолади. Бошқа тарафдан муҳораба ва муқотала, уруш ва саваш авбош эл ва бебош халқ тарафидан бўлмоқда. Зафар ва нусратни қўлга олгандан кейин бу Иккинчи Рум бўлган вилоят билан муомала қилмоқ керак бўлади. Санинг атрофингни ўраб олган бу оломон бу олий нишонли мулк тасарруфи ипини қўлларига олишлари билан тарқалиб кетадилар. Шунда вилоятнинг тўрт томонидан душман бош кўтаради. Ўшанда қон талабида бўлганлар душманларнинг билан тил бириктириб, санинг жонингни кўкка совурадилар. Сендан кейин эса барча авлодингга ҳам бу кенг олам чумоли кўзи ва тор гўрдек тор кўринади. Уларнинг барчалари ўтган султонларнинг синовдан ўтган авлодларидан бўладилар. Буларнинг дилларини мулойимсўзлик, кўнгил сўрашлик билан ов қилиб, ўзингга муте ва тобе қилишинг лозим.

Мусулмонқули ҳам ҳаммажлисдагиларининг бу шафқатли ва маслаҳат юзасидан айтилган гапларидан хурсанд ва фараҳманд бўлиб, // 63^b дорул-аморатнинг отаўғилларидан бири бўлмиш Муҳаммад Назарбекка бир илож қилиб жангу жадалсиз уларни ўз хайма ва хиргоҳига олиб келишини ва у ерда ушлаб туриб, хабарини маълум қилишга ишорат берди. “Отаўғилларга бизнинг кўнглимизда ёмон ният ва фикрлар йўқ дея маълум қилгин”, деди (Мусулмонқули). Шунинг учун мулойимлик ва яхши сўзлар билан *отаўғиллар* ва *галабаҳодирлар* фитна оловини ўчириб, ўз қўшларига келиб тушдилар. Ўша кечаси хотиржамлик билан Шоди *мингбоши*, Бердиали *юзбоши*,

³¹¹¹ Шоди додхоҳ (Кали Шоди), мингбоши 1844 йили ўлдирилган.

Мир Олим *юзбоши*, Худоёр Ёваги, Мулло Иззат Кўҳистоний ва шунга ўхшаш бир неча номдор амирлар ва некукор улуғларни қатл қилдилар ва бахтсизлик хокини ўз бошларига сочдилар.

Шу кеча Мулло Ниёзмухаммад деган киши (яъни, муаллиф – Ш.В.) *отаўғиллар* ва *махрамлар* тўпида бўлган экан. Унинг томирларида ёшлик ғайрати ва мардлигу шижоат ҳиммати ҳаракатга келиб, ўша қоронғу кечада айни жангнинг авжи ва икки тарафнинг талоши ва мақтулларни “ушла ур” деган пайтида кўшин ичидан чиқиб, Оқсу сойи лабидан, дарёнинг кечув жойига яқин ердан йўлга чиқибди. Жарликлардан йўл юриб, шу кеча келган сел тагида қолиб, ўзи ва отини қутқариб, минг азоб билан ғору тешиклардан ўтиб, Тўда мавзеига кириб борибди. Қараса, у ерда инсон зотидан дарак йўқ, бирор киши тирик қолмаган, балки ҳамма ўлдирилган. Уни кўрқув босиб у ердан ҳам чиқиб, сипоҳийлардан тўлиб кетган мавзедан юриб борибди. Йўлни йўқотиб Тўда жамоасининг қабристонига кирибди. Ўша қоронғи тунда юрганда унинг оти қабрларга тушиб кетиб, минг азоб билан ўзи ва отини тийра ва тор гўрлардан олиб чиқиб, бир неча марта тириклайин гўрга кириб, яна чиқиб борарди. Оқибат ул-амр отини етаклаб ўликлар ичидан тирик чиқиб, Санг мавзеига келганмиш.

Назм:

Зинда дар гўр шудаду шўри қиёмат дида,
Бо дили ҳасрат сад сури қиёмат дида.
Бо ин фарсудаги жисм дар тахи хок,
Асари шўр зи хоки пур аломат дида.

Санг мавзеига етиб келганида одамлар машъалалар ёқиб ўтган ва кетганларни йўлини тўсармиш, келиб-кетганларни тўхтатармиш. Мазкур муллони от устида кўрганларида у эски кадрдонларини кўриб қолгани каби улардан ҳол-аҳвол сўраган, кўшин ва жангу жадаллардан маълумот берган. Кўнгил сўраганларида ул мулла жавоб берган, хотиржам қилган. Шундан кейин бу тор кечада муллага кема йўлини кўрсатиб, кузатиб қўйганлар. Дарё лабига етиб келганида // 64^а дарё ўртасида кема тўхтаганини кўриб қолибди. Тўхтаб қолишни ўзига раво кўрмай, у ердан ҳам ўтиб, Гадоё топмас мавзеига етиб, кема ўтадиган кечув олдига келган.

Шу кўрқувли кечада бир ғўл жамоаси атроф-теваракни босиб олиб, “ҳамма ённи босиб олган қипчоқия жамоаси бизларни сартия ва тожиқия жаомасидан ўтувчи ва кетувчи ҳар бир йўлловчини тўхтатиб, қурол-аслаҳаларини олиб, оти бўлса тушириб, ўзини қўлга олишга маъмур қилган”, деб қаттиқ сўз ва муомала билан муллани отдан тушуриб, от, қурол ва кийимларини тортиб олиб, ўзини банди қилмоқчи эдилар. Жавонмардлик ғайрати унинг ёқасидан маҳкам ушлаб, у: “*Оломон* йигитлари ва чўлнинг оломонийларидан эмасман. Мен фалакменгзар султон дарборининг *отаўғилларидан* бўламан. Мени асир қилиб қипчоқларга топширганларингда ёки нарсаларим, оту эгар, яроқ ва кийимларим учун қатл қилсаларинг келиб-кетишимни Оқсу халқи ва Тўда мавзеи одамлари, Санг қишлоғининг барча фуқаролари кўрганлар. Кутиб олиб меҳмон қилиб кейин кузатиб қўйганлар. Улар мани сизларнинг кемаларингга келиб чиқмоқчи бўлганимни билишади. Икки лашкарнинг сулҳи ва икки аскарнинг иттифоқини, орадан фитнани кўтарилишини эшитиб, улар харсанд ва масрур бўлиб, мени Гадоё топмас йўлига кузатиб қўйганлар. Салтанатпаноҳи Шералихон мани ишларимни текширмоқчи бўлиб, мулозимларига буюриб дарё соҳилларигача келганида таҳқиқ ва текширишлар орамиздаги можарони фош этса, ҳолларинг не кечади? Ҳаммаларингни беватан ва дарбадар қилади-ку”, дебди.

Шу сўзларни ул шариф домулладан эшитиб бўлишлари билан, бир вақт қайси бир бурчакдан бир қария турибди-да ул бадбахт жамоага айтибдики, у эй валади зинолар! Бу ўлкани ёқиб юбориб, хароб қилмоқчимисанлар? Қандай қилиб ўзларингни қутқарасанлар. Ваҳшат солувчи сўзлар ва дағал сиёсат билан Мулла Ниёзмухаммаднинг от ва либосларни олиб бериб, дилнавозлик, узру маъни, яхши хулқ, дилжўйлик ва мулойимсўзлик, ширинзабонлик билан айтибдики, эй яхши йигит маъзур тутгин. Дарё лабидагиларга сиёсатдан тўла руқъалар юбориб, кема билан кечиб ўтишни қаттиқ манъ қилганлар. Шунинг учун сенга шундай муомала бўлди. Барча кемаларни чўқтирганлар. Энди ихтиёр ўзингда хоҳласанг дарёдан ўтиб Оқжарга бор, хоҳласанг Чил маҳрам орқали // 65^б кет. Уни отга миндириб йўлга солдилар.

(Мулла Ниёзмухаммад) аниқ билдики, барча балолардан Қутқарувчи вақту замон офатларидан ва тор кечаю ярим тун балосидан уни ўз ҳифзу ҳимоятига олди. Бул кечги ғўллар ва қишлоқлик девлардан қутқарди. Энди эса шу хунхўр денгиз ва саркаш дарёдан ҳам соғ-саломат олиб чиқариши ростдир. Ҳазрати Ҳофизи алал-атлоққа умид қилиб, юз. икки юз қадам тепароққа чиқиб отдан тушди ва кийимларини эгардаги қанчиғага қаттиқ боғлаб, қотирди. Қайта отга миниб, одам қаддига тенг бир жарликдан отини суриб дарёга сакратди. Сувдан балқиб чиққан от, ўз оғирлиги ва чанқоғидан бир

жойда сузиб юрди ва тўйганича аввал сув ичди. Отни сув ичишидан манъ қилмай, отни ўз ҳолига қўйди, зеро чанқоқлик отни тойдириб қўйган экан. Сувга тўйгач от сузишга киришиб, дарёда бораверди. Сув оқар тарафига ўзини солиб, ўнг қўли билан от жилови ва ёлини ушлаб, чап қўли билан сузиб борибди. Шундай бир аҳволда айни сув тошқини вақтида отлик ва от ярим кечада сузиб борармиш. Дарё ўртасига келганда отнинг туёғи ерга тегиб, отликни ҳам оёғи дарё тубига етиб ди. Дарё чуқурлиги кўкракка етиб, аста-секин тизагача етиб келганда, бирдан отнинг эгари орқага кетиб қолиб, от тўхтаб қолган экан. Шу вақтда отлик мирзони қўрқув ва ваҳима босиб, Бениёз ҳазратга нола ва зори билан: “Умидсизлик вақти зормандларнинг умид жойи Сенсан, қолиб кетганларнинг дастгири ўзингсан, Сендан бошқа мадаккор йўқ, Сендан бошқа имдод йўқ”, дея сўраб муножот қилди.

Назм:

Эй Худо дар ними дарё нимашаб дастам бигир,
Мондаам танҳо дар ин баҳри саъаб дастам бигир.
Дастгире нест бар ман жуз ту дар баҳри амиқ,
Гаштаам ғарқоб ба сахтии таъаб дастам бигир.

Шундай нола ва зори билан ҳазрати Воҳиб ул-атоёга нидо қилиб, ҳазрати Ғавс ул-аъзамни восита қилиб, ўзини кутқариш учун жон куйдурди. Шу пайтда довьюраклик унга қолиб келиб, эгар остига кириб, Аллоҳ номини тилга олганча бир неча марта сувга шўнғиб олиб, учинчи мартада эгар билан // 65^а букта (бўғча)ни кўтариб, от устига қўйди. Шу аҳволда рокиб ва маркуб (от билан отлик) бир лойқали жойга тиззаларигача ботиб қолдилар. Оғир ҳолат ва минг машаққат билан оёқларини кумлоқдан тортиб олиб, кўкраккача келадиган сувда шўнғиб-шўнғиб қарийб икки юз қадам бордилар. Бирдан от яна сузиб кетди. От ёлини ўнг қўли билан ушлаб, чап қўли ва оёғи билан сузиб боришди. Бир вақт узоқдан қалъадек баланд бир қоралик кўринди. Яқинроқ бориб қараса, дарё лабидаги бир жарлик экан. Яқинида бир найза баландликда мавж урган гирдоби бор. Бу ер дарёга тушадиган сувнинг шохобчаси экан. Жар томон сузмасдан пастга қараб кета бошладилар. Отнинг аҳволи ҳам бир навъ эди. Сув тошқини вақтида дарё кенгайиб, соҳиллар ҳам узоқлашиб кетган экан. От бечорани ҳоли ҳам танг бўлиб, бурнини сувдан чиқарганча нафас оларди. Отлик ҳам икки қўлини зўрға ҳаракатга келтириб сузарди. Охири от ёлини чап қўли билан ушлаб, ўнг қўлини от бўктарига чўзди, қўли етмади. Отнинг оёқлари ҳаракатдан қолганини, беҳол ва бемажол, зўрға нафас олаётганини билди. Шу ҳолатда отни кўзига жарликдаги ҳайвонлар учун сув ичишга мўлжалланган бир сўқмоқ кўринди. Бирдан унинг танасига жон кириб, сувдан сакраб ўзини жарлик устига олди. Отликнинг қўли от ёлидан узилиб кетди. Жиловнинг териси кўтос терисидан экан, бир учи тугун қилиб қўйилгани боис, шу тугун қўлига тушиб, каттиқ ушлаб отнинг тортиши ёрдамида дарё лабига, ундан жар устига чиқиб олди. Минг азоб ва машаққат билан қуруқликка чиққанини ул гумроҳ қора юзликлар ва қароқчи йўлтўсарлар кўриб туришди. Шу вақтда тонг ёруғлиги кўриниб, Ҳофизи покзот ва барча балолардан Сақловчи зот ўзининг бечуну чаро ҳимояси ва муҳофазасига олиб, хунрез дарё ва саркаш денгиздан халос қилиб, нажот соҳилига олиб чиқди. Дарёнинг нари тарафидан кутловлар бўлиб айтардиларки, довьюрак паҳлавон йигит соғ бўлсин! Шундай сув тошқини вақтида бу кенг дарёдан, қоп-қора тунда қўрқмасдан кечиб ўтиш амри маҳолдир ва башарият куч-қудратидан ташқаридир. Шунча умр кўриб, шундай довьюрак таваккалчи йигитни кўрмаган эдик. Муҳаббат ва // 65^б шафқат юзасидан дарёнинг нари тарафидан бақриб айтдиларки: “Эй жавонмард! Сенинг довьюраклигингга офарин! Шу қонхўр дарёдан Ҳофизи бениёз инояти билан ўтиб, Ҳодий ва Йўл кўрсатгувчининг лутфи ҳимоятида шундай диловарлик ва паҳлавонлик кўрсатганинг башарият қудратидан ташқаридир. Ўз кийимларингни тезроқ кийгин ва отингга миниб, йўлга киргин. Акс ҳолда бизларни пойлаб йўлга кирган қипчоқлар шу ерда истиқомат қилмоқдалар. Одамларни асир қилиш ва молларини талон-тарожи билан машғуллар. Қамишдан ясалган солларига миниб, сенга етиб бориб бирор бир зарар етказишлари мумкин”.

(Мулла) буни эшитиб отга миниб, шаҳар сари равона бўлди. Бироз йўл юриб, қараса, дарёнинг насимидан унга шамол тегиб, совуқлиги ошибди. Бунга тоқат қилолмай бир чангалзорга кириб, кийимини эгар қанчиғасидан олди уни бир дарахтга боғлаб қуритди. Шим ва этигини яна эгарга боғлаб, отланиб Янтоқ мавзеига келиб тушди. Либосларини у ерда бутунлай қурутиб, тўйгунча еб-ичиб йўлга чиқди ва тез орада дорус-салтанат пойтахт шаҳрига етиб борди. Эшитган ва кўрганларини Шералихонга бир-бир айтиб бериб, ўз манзилига бориб кирди. Қўшин келгунга қадар ташқарига чиқмай турди.

Уч кундан кейин қўшин келиб, Шералихонни кўриб бўлган воқеа ҳақиқатини хоннинг олий дикқатига етказдилар. Давлат арконларини қатл этилганини эшитиб, мазкур хон ғамгин ва хафа бўлиб, надомат ёшлари ҳасрат кўзларидан оқа бошлади. Ҳазрати Бениёзга нола ва зорий қилиб,

нажот истарди ва дердики, Эй мазлумнавози золим гудоз, эй дастгири чорасоз, эй Қаҳҳори мақхур қилувчи, эй Адиби адабсизларга адаб берувчи! Бу қандай ёмон муомалаки, бу бадмаош ва пур фарру хош гуруҳ пеша қилган ва аҳдларини фаромўш этган?! Ўшал иттифоқ билан мани салтанат тахтига кўтарган кунида бир-биримизнинг қатл ва нифоқ, жангу жадал, хасму мухосама, мухолифат ва мунозирадан қўл тортамиз деб, аҳду паймон қилиб, қасам ичгандилар. Моликул-мулк ҳазратининг ло райб китобида: “Аҳдларингга вафо қилинглар” деган фармониға ҳам итоат қилмасдан, фармонсизлик йўлиға кириб кетибдилар.

Назм:

Ба мизони мукофот ҳар чи санжи,
Ки баъд аз қимматаш додан биранжи.
Матоеро фурўши қимати он,
Ба каф бини ту баъд аз зўри ...?
Бигўйи, ки ба мардум ҳар чи бигзошт,
Дар ин доир чи // 66^а карди ҳар чи бини.

Оқибат қўшин раисларига рухсат бериб, хотиржам хос уйига кириб, уч кунгача ташқарига чиқмади, кўриниш бермади. Учинчи куни Шералихоннинг катта ўғли Саримсоқхон ўзининг Тошканд лашкари билан келиб отасини кўрди ва отасига хос бандалар каби таъзим келтириб, хоки пойини ўпти, фармонбардорлик билан бўйин эгиб, одоб сақлади. Ота хизматига етиб келган ўғилға Шералихон бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берди. Олтинчи куни қипчоқия лашкари жанг талабида шаҳарнинг шарқ тарафидан Марғинон ва Тоғлиқ дарвозасининг даҳана кўчаларидан ҳужум бошладилар.

Шу йили ҳазрати Соҳибни ҳаждан келган йили эди. Шералихон насихат ва сулҳ тузиш учун ҳазрати Соҳибни кўшин билан ва Саримсоқхонни амири лашкар этиб юборди. Барча кўшин чиқиб Баҳрин ва Тоғлиқ кўчалари бошида қипчоқ кўшинининг қаршисида сафларини ростлаб турдилар. Тоғлиқ ва Марғинон дарвозаларининг кўчаларидан икки тарафдан қипчоқлар босиб кела бошладилар ва дарвоза ўртасида саф тортиб турдилар. Даврон *додхоҳ* тожик Тошканд кўшини билан Тоғлиқ йўлини тўсиб, жангга киришди ва тўпу тўфанг ўқини қипчоқлар бошиға ёмғир ва дўлдек ёғдира бошлади.

Қипчоқлар шовқин-сурон кўтариб, тошкандликлар устиға бирдан от кўйдилар. Бу ҳужумни пиёда бўлган ал-амончилар кўрдилар ва қочишға юзландилар. Ал-амоннинг жами суворийлари ва пиёдалари бу қочишни кўриб, улар ҳам ваҳима ва кўрқувдан дарвозаға бориш хаёлидан воз кечиб, талашиб оламини ўз кўрқувлари билан тўлдирдилар. Улар ҳам қочишни ихтиёр қилдилар. Бу воқеани Тошканд сипоҳи кўриб, айтдиларки, бу тил бириктириш аломати ва шу халқнинг иттифоқи рамзидир. Бизни ўқ ёмғири остига ташлаб, ўзлари қочиб кетишди. Улар хато мулоҳазаға бориб, Тошканд сипоҳи ҳам қочди. Дарвозалар ўртасида бўлган *маҳрам*лар жангнинг авжи палласида Тошканд сипоҳининг чекинишини кўриб, Ёйилма суви ва Баҳрин кўчасининг бошида бўлган *галабаҳодир*лар ва барча лашкария аҳли билан бирға сувора ва пиёда, Тошканд кўшини ва тарқоқ аскарлар билан бирға улар ҳам қочдилар. *Галабаҳодир*лар ва бошқаларнинг кўнглидан шу фикр ўтдики, шул тариқа қипчоқия шаҳар ичкарасига киритилади. Шу фикрда бўлган барча қипчоқлар // 66^б *галабаҳодир*лар устиға босиб бориб, уларни ҳам қочтириб, шаҳар дарвозасига олиб келиб тақадилар. *Маҳрам*лар иш қўлдан кетганини тушундилар. Улар ҳам орқаға чекиниб, жангу жадал билан қалъа олдиға етиб келдилар.

Маҳрам тўпидан бўлган *отаўғил*ларнинг *юзбошиси* Содиқбий исмли ва пойтахтнинг улуғларидан бўлмиш Солиххўжа *судур* ўр олдида қатл этилди. Баъзи кордон *маҳрам* ва ботир *галабаҳодир*лар жангу талош қилиб, ҳалок бўлдилар. Шаҳардан ташқарига чиққан аламон тўдасини қипчоқлар талон-тарож қилиб, яп-яланғоч ва очиқ қолдирдилар. Улар эса ўз авратларини ўт билан ёпиб, шаҳарға кирдилар. Сулҳ тузиш учун чиққан ҳазрати Соҳибни ҳам асирға олдилар. Сулҳни қабул қилмаган қипчоқлар ҳазратни қайтарганида, у қариликдан аста-секин қайтаётганида, қочиб кетаётган *оламон* унга етиб келган эди. Ҳазрати Соҳиб ўзини бир четроққа олиб турган эдики, қипчоқ қочоқларни қувиб келиб, ҳазратни ҳам асирға олди. Унга мухлис бўлган баъзи қипчоқлар етиб келиб, маъзарат сўраб озод қилдилар ва бир ҳавлиға олиб кирдилар. Бирор соат шу ерда туриб, жангу жадал олови пасайишидан сўнг шаҳарға киритдилар.

Қипчоқ лашкари шаҳарға киргандан кейин улар Азимбой *қўшбеги*, Таникул *шиговул*, Муҳаммадкарим *ясовул*, Эрназар *додхоҳ* ва бир неча машҳур амирларни қатл қилдилар. Шералининг катта ўғли бўлмиш Саримсоқбек амири лашкар Бухоро сари йўл олди ва Бухоро амири хизматига

борди. Давронбек³¹¹² *додхоҳ* Хўжандга қочди. (Бироқ) бир неча кун ўтиб, унинг гуноҳини кечириб, Хўқандга олиб келдилар.

Назм:

Чунин аст авзои чархи баланд,
 Зи давраш гаҳе сифлагон аржманд.
 Шавад куҳнапўшон ба дебои нав,
 Чу хар хасм карданд бар аспи даванд.
 Гаҳе сарбаландро кунад сарнагун,
 Гаҳе сарнагунро кунад сарбаланд.

Мулло Холбек³¹¹³ қипчоқни Тошканд волийси этиб, барча қипчоқлари ва тошкандликлари билан, Даврон *додхоҳ*ни унга ёрдам бериши учун қўшиб юбордилар. Улар катта жамоат билан бориб Тошкандга кириб, бу вилоят ишларини саранжом қилишга тушдилар. (Бироқ) тез орада Тошканд халқига қипчоқия ҳукмронлиги малол келди, улардан хотирлари ранжиб, бу тоифа ҳукуматини ўзларига макруҳ деб билдилар. Бу хабар Бухоро амири қулоғига бориб етди. У Саримсоқхонга Чордара³¹¹⁴ мавзеини бериб юборди. Бир неча кундан кейин сартия, қозоқия ва бошқа элу милат // 67^a қипчоқия ҳукуматини дағаллик ва қўполлик, хатога қараб кетганини ҳис қилдилар. Бутун вилоятни ўзларидан малул ва ранжитдилар. Биринчидан, Мусулмонқули дорус-салтанатнинг кўп номдор кишиларни қатл қилгани учун, халқ ундан норози бўлди. Шунинг учун унинг ҳукуматини макруҳ деб билардилар. (Иккинчидан), вилоят аҳволи торлик ва таназзулга юзланди. Ҳамма бирлашиб иттифок туздилар ва Тошканд вилоятининг аъёнлари Даврон *додхоҳ*ни юбориб Саримсоқхонни Чордарадан олиб келдилар. Мулло Холбек қипчоқни ўз мухлислари билан бирга қўлга олиб, бандга солдилар. Ўша вақтда Мусулмонқули Хўқанддан Нормухаммад³¹¹⁵ қипчоқни элчи сифатида юборган эди. Уни ҳам ушладилар. Бу ваҳшатасар хабар қипчоқлар қулоғига етиб борди ва Мусулмонқули Тошкандни манғития қўлига ўтганини билди. Барча қипчоқлар ҳайрат ва бесаранжомлик жарлигига тушдилар. Ваҳм ва ҳадик қипчоқлар кўнглига тушиб, энди маслаҳат мажлисига йиғилган эдиларки, Ўш атрофидан то Учқўрғон³¹¹⁶ ва Олой чегарасигача қирғизларнинг исёни ва уларни Ўшни қамал қилганлари ҳақидаги хабар Шаҳрихон қипчоқлари қулоғига етиб борди. Бу хабарни Мусулмонқулига ҳам етказдилар. Бу ваҳшатасар хабарни эшитиб, Тошканд маслаҳати орқага сурилди ва қирғизни даф қилиш маслаҳати зарур кўринди. Маслаҳатлашиб қўшин йиғмоқчи бўлиб, қирғизлар устига бормоқчи бўлганларида, Шаҳрихон ҳокими Курўғлини ўша вилоят қўшини ва қипчоқлари билан қирғизлар устига икки кун олдин бориб, мағлуб бўлиб қайтиш хабари етиб келди. Шу куни Мусулмонқули бориб Муҳаммадназар Кўрўғли қипчоқ қўшини билан бирлашмоқчи бўлганида, Кўрўғли қўшини қирғизия жангу жадали билан машғул эди. Айни шу вақтда Раҳматуллоҳ *додхоҳ* минг ва Сотиболди *додхоҳ* Хўқандийким, Қосим *мингбошининг* ўғли эди, Олой қирғизлари билан тил бириктирганлари ва Олимхоннинг ўғли Муродхонни салтанат пойтахтига олиб келиб, ҳукмронлик тахтига кўтарганлари ва Шералихонга шаҳодат шарбатини ичтирганлари ва барча дорус-салтанат аҳолисига ҳадя ва тортиқлар билан келиб Муродхонни кўриш учун берган фармонлари хабари тарқалиб кетди.

Вилоят аҳли бир-бирларига дердиларки, давлат арконлари ва мамлакат аъёнлари, барча вилоят қўшини ҳозир қирғизия устига бориб, жангу жадал ва ҳарбу қитол билан машғул бўлсалару биз фуқаро халқи бепару бол, бечора заифҳол бўлатуриб, қандай бу бадномликни ўзимизга раво кўриб, фитна ўтини мулк найистонига урамиз?! Бу иш узоқни кўра билиш доираси ва оқибатни ўйлаш сулукига тўғри келмайди. // 67^b

Шундай маслаҳатларни қилиб, ўзларининг муфсид катталарига арз қилганларида уларга ҳам маъқул тушиб, бу амр эҳтиётини вилоят аҳли ихтиёрига қолдирдилар. Шундан кейин вилоятнинг барча маҳаллот ва қишлоқларига мулозим юбориб уларни тўхтатиб турдилар.

Бу ваҳшатли хабарни айғоқчилар Мусулмонқулига етказдилар. У зудлик билан тадбир ва маккорлик юзасидан Андижон ўрдасидан чиқаётган вақтида жарчи³¹¹⁷ларга Муродхон номидан жар

³¹¹² Давронбек – Қаноатшоҳ оталиқнинг укаси. 1842–1844 йй. Тошкент ботурбошиси бўлган. 1847 йили Саримсоқбек ўлимидан сўнг Бухорога кетган эди.

³¹¹³ Мулло Холбек – хонликнинг ҳарбий ва давлат арбоби. Мусулмонқули томонидан қатл қилинган.

³¹¹⁴ Чордара – Чордара шаҳри ҳозир Жанубий Қозоғистон вилоятидаги Чордара тумани маркази.

³¹¹⁵ Нормухаммад – қипчоқ қабиласидан. 1845 йилдан Қурама ҳокими. 1848–1852 йиллари қўшбеги унвонида Тошканд ҳокими бўлган. Мусулмонқулининг ашаддий душмани. 1864 йили август ойида ҳалок бўлган.

³¹¹⁶ Учқўрғон – Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги шаҳар, туман маркази. Вилоятнинг шимол-шарқида, Норин дарёси (Сирдарё ҳавзаси)нинг чап соҳилида. Қўқон – Андижон – Тошқўмир йўналишидаги темир йўл чорраҳасида, Намангандан 42 км шимолий-шарқида жойлашган.

³¹¹⁷ Жарчи – жар солиб хон (амир) фармонлари ва амрларини халққа баланд овоз билан эълон қиладиган шахс. Хабарчи, чопар маъносида ҳам келади.

солишни буюрди. Жарчилар ҳам “Замон замони Муродхон” дея жар солдилар. Мулозимлар ва фармонбардорлар, барча қўшин аҳли эшитиб, бу иш Мусулмонқули маслаҳати билан бўлган деб гумон қилдилар. Қўшин аҳли барчалари хотиржам бўлиб, тарқалиб кетмасдан Андижондан чиқиб, Мусулмонқули орқасидан бордилар. Ул замона ҳарифи қўшинни олиб, Андижон пастида бўлган Миробод тарафига кетар эди. Оқибат шу мавзегга етиб бориб, отлардан тушдилар. Бу мавзеда муфсидларнинг иғво ва тухматлари билан Муҳаммадниёз *ҳудайчининг* укаси, Муҳаммад Собир *мирохурни* ва бошқа гуноҳсиз одамларни қатл қилдилар.

Эртаси бу мавзедан кўчиб, Балиқчи мавзеига келиб тушдилар. Бу ердан Гургтепага келиб, бир кеча турдилар. Гургтепадан *илзор* тариқасида Ҳазрати шоҳга келиб тушдилар. У ердан Юлғунга келиб тушдилар. Шу ерда Худоёрхонни салтанат тахти ва амирлик тўшагига ўтказдилар. Барча умаро ва кубаро ҳукмронликни унга мусаллам тутиб, икки кун бу ерда истиқомат қилдилар. Хўқанд ичига мулозим юбориб, вилоят аъён ва ашрофларидан Худоёрхонни тахтга чиқиши ва ўзларини шаҳарга киришлари, Муродхонни шаҳарга қандай қилиб киргани, фуқарони унга бўлган муносабати ҳақида сўрадилар. Юборилган мулозим вилоят ақобирлари ва ашрофлари билан учрашиб, сўраган сўроқларига тўла жавоб олиб келди. Маълум бўлдики: “биринчидан, Муродхонни шаҳарга кириб келишидан бутун вилоят аҳли хабарсиз. Иккинчидан, у келганида султонларнинг биринчи куни тахтга чиқишлари қоидасига биноан, бирор-бир маҳалладан ва дорус-салтанатга тобе жойлардан киши чиқиб, тортиқ ва ҳадялар билан уни кўришмади, хизмати ва қабулида бўлмади, давлати учун фотиҳа бермади, у билан аҳду паймон қилмади, султонлик лутфига сазовор бўлмади, фохира либослар билан сарафроз этилмади ва чексиз карам билан рухсат олиб қайтмади.

Сизларнинг ҳурматларингизни деб, бу ишлар вилоят халқидан содир бўлмади. Биз умид кўзларимизни сизлардан узмасдан, интизорлик ила йўлингизни пойлаб, // 68^а умид кўзларимизни очиб кутиб турибмиз. Хотирларингизни буткул жам қилиб, қўнишларингиз билан бизни мушарраф этинглар”. Шундай дўстона сўзларни ширинзабонлик ва мулойимлик билан айтиб, мулозимни қайтарган эканлар. Хотиржамлик учун бир нечта мактубларни ҳам вилоятнинг ақобир ва ашрофлари, оқсоқоллари орқали бериб юборибдилар. Улар келиб руқотни бериб, бўлган ҳодисотни бир-бир Мусулмонқули ва унинг қўшинига маълум қилибдилар.

Муродхон қўшини қирғизлардан иборат бўлиб, сони юз-икки юздан ошмаслигини ҳам оқсоқоллар айтиб бердилар. Қипчоқлар бу фитна икки-уч исёнчи томонидан содир бўлганини билдилар. Улар ваҳм ва қўрқувсиз Урганжий дарвозасидан кириб келиб, Кўктўнлук мазори сойи орқали пойтахтга кирдилар. Баъзи қирғизларни қатл қилдилар, айримларини асирга олдилар. Баъзилари эса қочиб кетдилар.

Хўқандлик сартия халқидан бўлмиш Раҳматуллоҳ *додхоҳ* минг, Сотиболди *додхоҳ* Қосимбек *оталиқ* ўғли, Охун *қоровулбеги* Иброҳим *додхоҳ* ўғли, Муҳаммадкарим *халифа*, Лўли *халифа* ва баъзи бир бошқа кишиларни Муродхонга хайрихоҳ бўлганлари учун у билан бирга қатл қилиндилар.

Муҳолифлар ишлари саранжоми топиши билан уламо ва машойихларни йиғиб олиб, Худоёрхонни иккинчи марта оқ кигизга солиб, шоҳлик салтанати тахти ва шаҳаншоҳлик тўшагини безатдилар. Салтанат тахтини ул подшоҳлик дарёсининг гавҳари шаҳаншоҳлик садафидек оро берди, тождорлик тўшагини безатди. У шоҳлар дарахтининг самараси, хонлар маҳкамасининг ўринбосари, яъни Худоёрхон³¹¹⁸ ибн Шералихон ибн Ҳожихон ибн Абдурахмонхон ибн Абдулкаримхон ибн Шоҳруххон ибн Ашуралихон ибн Ҳожихон ибн Рустамхон ибн Шоҳрух султон ибн Шаҳмастбийким, Чамашбий номи билан машҳурдир, у ибн Асилзода ибн Абулқосимбий ибн Муҳаммадаминхон ибн Худоёр султон ибн Султон Элик Олтун Бешик ибн Мирзо Бобур подшоҳ ибн Мирзо Умар Шайх ибн Мирзо Султон ибн Абу Саидхон Мирзо Султон ибн Мирзо Мироншоҳ ибн амир Темур Кўрагон ибн амир Тарағай ибн амир Баркал ибн амир Илингир ибн амир Инжил ибн Қарочар нўён ибн амир Соғучин ибн Баруқай хон ибн Иримжи барлос хон ибн Қожули баҳодирхон ибн Бартанхон. Чингизхон насаби ҳам Бартанхонга бу тариқада етиб боради: Чингизхон ибн Есукой баҳодир ибн мазкур Бартанхон ибн Қобилхон ибн Туманхон ибн Бойсунқурхон ибн Қайдухон ибн Дутуминхон // 68^б ибн Буқохон ибн Бузанжархон ибн Аланқува. Аланқуванинг эркак ёки аёл эканида ихтилфлар мавжуд. Уни эркак деб билганлар уни имом Зайнулобидин невараси бирига уйланганини айтадилар.

³¹¹⁸ “Мунтахабут-таворих” асарининг муаллифи Муҳаммадҳакимхоннинг маълумотига қараганда, Шералихон 2 шаъбон 1260/16 август 1844 йили Муродхон томонидан қатл қилинган. Шунда у 55 ёшда бўлган, 2 йил ва бир ойу 25 кун хонлик қилган. Муродхон 9 кунлик хонликдан кейин 9 шаъбон 1260/23 август 1844 йили қипчоқлар қўлида Мусулмонқули ва Муҳаммадназарбек раҳбарлигида ўлдирилган. Худоёрхон 24 августда тахтга кўтарилди. Қаранг: Муҳаммадҳакимхон. Мунтахаб ут-таворих / Кириш, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 126.

Аёл деб айтадиганлар Аланкувани алавийзодаларнинг бири никоҳга олган ва ундан Бузанжархонни таваллуд қилган дейилади. Аланкува ибн Дубун Боён султон ибн Чубинахон ибн Мангихон ибн Ойхон ибн Офтобхон ибн Темуртошхон ибн Қаёнхон ибн Элхон ибн Юлдузхон ибн Муғулхон. Охиргиси Тоторхон билан ака-ука бўлиб Эланжихоннинг ўғиллари бўладилар. Эланжихон ибн Илёсхон ибн Қарохон ибн Туркхон ибн Ёфас ибн Нух алаҳи-с-салом, ибн Мулук ибн Матушлах ибн Идрис алайҳи-с-салом ибн Бард ибн Маҳлойил ибн Қанон ибн Ануш ибн Шис алайҳи-с-салом ибн Одам алайҳи-с-салом. Олтмиш олти пушт билан ҳазрати Абулбашарга бориб тақалади.

Ул қимматбаҳо гавҳар ва ул пурсармоя жавҳарни ўн саккиз ёшида тахтга ўтқазганларида вилоятнинг барча одамизодлари, жами мансабдорлари, саййидлар аҳли, хосу ом бу амри марғуб ва фарахуслуб ишдан масрур бўлиб, хурсанд ва шодлик билан замзамаларини кўк осмонга кўтардилар. Вилоят аҳлидан бегуноҳ қатл этилган ва ҳалок бўлганлар дарди дилсўзлик ва қайғуришлар билан халойиқ дилидан ювиб ташланди. Хосу омнинг хурсандчилиги ҳосил бўлиб, саодатни касб этган хон жулусидан рухсат олиб, тарқалдилар.

Назм:

Нишаст рўзи саодат ба маснади авранг,
Шукуфт ғунчаи боғи шаҳаншаҳи сад ранг.
Агарчи дер шукуфт ин гули саодат бў,
Ба бўстони чаман зору майманат авранг.
Муаттар аз гули адлаш димоғи олам шуд,
Зи буъди боди муҳолифи он жамоаи бе нанг.

Худоёрхоннинг биринчи марта тахтга ўтирганини бу бўлмағур гуноҳкор ва заифу нотавон чол, тирноқлари билан таърих айтиб, назм ипига тортди. Ҳамчунин йигирма икки байтдан иборат ўн битта таърихларни ёш ва балоғатга етган султонни тахтга жулус қилғони шарафига битдим.

Назм:

Эй молики тахти тождори,
Бар ту шуда лутфи кирдукори.
Дар маркаби шоҳист задан зин,
Бо фатҳу зафар шуди савори.
Он рўз ки ту ба тахти заррин,
Биншастии зи баҳри мулкдори,
Ба номи ту мераванд дар афлок,
Бурди хуррамию кўси номдори.
Ин сари қадимии дуоғўй,
Аз рўи ақида ва посдори.
Таърихи жулуси ту ба ҳар назме,
Кардаам ман адо ба лутфи Бори.
Байти аввалаш бихон муҳаффи,
Шуда дуюми ў абёти жори
//69^a Ба қоидаи манзум шоири нодир,
Ба ду оқиба таърих биёри.
Ақлу хирадам ба ман чунин гуфт,
То ёздаҳ таърихаш шумори.
Чунин аст лузум бар таворих,
Бар соли жулуси шаҳриёри.
Таърихи жулуси шоҳият ин,
“Ки соҳиби тожи шаҳриёри”.

Иккинчи байт бутунлай таърих 1261/1845–1846 дир.

Бар шаъни ту нест шоҳи қорин,
“Жуз файз гули кулахдори”.

Иккинчи байт бутунлай таърих 1261/1845–1846 дир.

Афлок туро ба мадҳу туҳсин,
“Гуфто зиҳи дурур ба шоҳвори”.

Иккинчи байт бутунлай таърих келган.

Бар шоҳи тождорият ин,
“Эй шоҳи шаҳи тождори”.

Иккинчи байт бутунлай таърих келган.

Дар тахти шаҳи ту дори тазйин,

“Бар тожи ҳашам ба мулкдори”.

Иккинчи байт бутунлай таърих 1261/1845–1846 дир.

Эй молики мулк ҳомии дин,
Бар ту шуда “ҳили бахтиёри”.

Бу ерда “ҳили бахтиёри” таърихдир.

Бар жодаи ҳукмрони муҳиббин,

Ин аст ки “гар ба ҳақ гузори”.

Бу ерда “гар ба ҳақ гузори” таърих моддаси бўлиб келган.

Эй ҳомии шаръ адл оин,

Бо ҳукми ту “васли шаръ” жори.

“Васли шаръ” бу ерда таърих келган.

Бар рӯзи жулуси маҳфил оин,

Шуд “соғар”и умр хуш гузори.

Бу ерда “соғар” сўзи ўзи таърих 1261/1845–1846 дир.

Дар шаъни ту гуфт “таърихи кул”,

Ин пири ғулом ёдгори.

Бу ерда биринчи байтдаги “таърихи кул” таърих моддаси бўлиб келган. Сана 1261/1845–1846 йил бўлади.

Муҳолифлар Фарғона мулкани, қипчоқлар ишидан саранжом айлаб, Саримсоқхон кетидан тушиб, маслаҳатга киришдилар. Маслаҳат шунга қарор топдики, ҳазрати Миён Халил Соҳиб иблисдек талбис аҳду паймон, ёлғон ваъдалар ва бефурўғ сўзлар билан элчи сифатида юборилади. Саримсоқхон бул ҳазратнинг сўзларига алданиб келса, ўшанда унинг иши итмомига етказилади. Бу номарғуб маслаҳат ва юракни эзувчи машварат маъкул тушди ва ҳазрати Миён Халил Соҳибни даъват қилиб, ёлғон аҳду паймон ва Уммус-Сибён сўзлари билан алдаб, Тошканд сари элчи сифатида юбордилар. Ҳазрати Миён Халил Соҳиб бу иблис Мусулмонқулининг асоссиз сўзлари ва ёлғон гапларига, ёлғон қасамларига ишониб, Тошканд йўлига кирди. Масофаларни босиб Тошканга кирди ва ул салимдил шоҳзода, олийнасаб калонзода, содиқдил хонзода // 69^a катта иззат ва мислсиз ҳурмат билан ҳазратни кутиб олди ва дилкаш мақом, беғаш манзилга туширди. Таом ва истироҳату ором олишдан кейин табассум ва ширинзабонлик билан воқеа ва мақсадни баён қилиб шарҳ бердиларки, Мусулмонқули ва олимартабали хоннинг арконлари сени дорул-аморатга қадам ташриф этиб, эликсир баракотли вужудинг билан фалакдек баланд боргоҳни мушарраф этишингни хоҳлайдилар. Айтдиларки, қиблагоҳи отанг интиқомини қотиллардан олурсан ва нури чашмий, қирратул-айнинг бўлмиш Худоёрхонни ота ўрнига салтанат тахтига ўтказиб, муборак манглайини шоҳлик тожи ва иззатли бошини шаҳаншоҳлик кулаҳи билан зийнат бериб, оро берайлик. Меросий мулкни душман кўлига бериб, унга итоат қилиш муносиб ишлардан эмас. Агарда дорул-аморатга боришда кўнгилларида кўрқув ва ҳадик, хавф бўлса биз аҳду паймонларимиз рамзи ва чинсўзимиз тимсоли сифатида ҳазрати Соҳиб Миён Халилни юборганмиз. Ҳазратнинг муборак тилларидан нимаики эшитсалар, сидқ деб билиб, ишонсинлар.

Ҳазрати Миён Халил Мусулмонқули оғзидан эшитган барча сўзларни мулойимлик билан айтиб бердилар ва муддаони ошкор қилдилар.

Бу сўзларини ҳазрати элчи Миён Халилдан эшитгач, мирзода давлатхоҳлари ва ҳавохоҳлари, узоқни кўрадиган ва оқибатни ўйлайдиганлар билан маслаҳат ва машварат қилганидан кейин деди: “Эй замон солиҳларининг сараси, даврон олимларининг таянчи! Ул гуруҳ шундай жамоаки, сидқ улардан узоқ ва андиша уларнинг сўзларида йўқ! Ҳадик солиш ва шаккоклигу саркашлик уларнинг шевасидир. Каззоблик уларнинг тилидан доим эшитилади, “Вайлун лил-муказзибин” деган оят ёлғончилар учун нозил бўлган, аммо улар ундан беҳабар. Аллоҳ сўзлари ва расулнинг қавли уларнинг диллари варақларида сабт бўлмаган. Улар на сизнинг хотирхоҳликингни ва на ҳазратим вужудларини ҳурмат қиладилар ва на саййидлик қадрини ва на одамгарчиликни билладилар. Бироқ, сиз муборак қадамингни мен каминани деб, бу қароргоҳга босиб келиб, уни ташрифи қадам билан мушарраф этибсиз, мен бутун вужудимни сиз ҳазрат учун фидо қилгум; азиз бошимни мунаввар хотирингни ва мусаффо раингни ризолиги учун қурбон қилгум. Мен ҳазрати ҳабиби Яздоний Имом Раббонининг муборак нафасларини уларнинг авлоди, аҳфоди, амжоди (набира ва чеваралари) орқали талабгор бўлганман”. Оқибатул-амр уч кун кутишни лозим деб билиб, (Хўқанд сари) равона бўлдилар.

Пойтахт Хўқандга келиб киришлари билан, Мусулмонқули // 70^a фалакка тенг боргоҳнинг давлат арконлари, осмонга баробар даргоҳнинг хослари билан бирга ваъдаларини фаромуш этиб,

айтган-эшитганларидан кўз юмиб, қулоқларини эшитмаганга олиб, аччиқ ва қаттиқ муаомала билан ҳазрати Миён Халилга рухсат бериб, Саримсоқхонни Балиқчи мавзеига олиб бориб қатл қилдилар.

Ўша кунлари аҳли диллар ва силсилаи нақшбандия соҳибзодаларнинг озори имкон даражасидан ўтди. Аҳли ҳолнинг соҳиби тажрибалари, қол тажрибаси соҳибларининг донишмандлари кашфу жазб юзидан айтардиларки, одамношунос бу гуруҳнинг давлатсизлиги ва жамоаи ханноснинг бундай футувватсизлигидан улар бахтсизлик хокини ўзларининг қийшиқ бошларига сочдилар. Худо берган султонлик давлати равнақини, хусравлик шафқати мададини озор бериш ва зулм қилиш билан ўзларидан узоқлаштирдилар. Нимани кўрмоқчи бўлсалар ўзларининг шум феълларидан кўрадилар. Нима қилган бўлсалар ўзларининг ёмон хулқларидан кўрадилар, иншооллоҳ! Яқинда, балодан мукофот олиб, қаттиқ офатга гирифтор бўладилар. Худо хоҳласа, бу бадтийнатлар чангу ғуборидан бу давлатнинг этаги пок ва покиза, ойинаси эса сайқалланиб, жиллоланади.

Саримсоқхон вафоти таъриhini топиб шундай назм ипига тортилди:

Паймоншиканони дев тимсол,
Карданд расули Осаф амсол,
Бо руқъаю бо қасам муламмеъ,
Бар хизмати шаҳзода ирсол.
Бифрефта ҳамчу аҳди иблис,
Оварда миёнжи хушафъол.
Аҳди худ хизмати расуле,
Бишкаста шикаст аҳди далол.
“Авфу би аҳдикум” Худо гуфт,
Нокарда қабули қавми арзол.
Хун рехта аҳди худ шикастанд,
Амри Ҳақ ва шаръ карда помол.
Таърихи вафоти шаҳзода,
Жустам зи худ гуфт аз сол,
Бар гўй ту Ниёзий таърихи он,
“Бе раҳм вубол гашт дарҳол”

Мазкур шаҳзода вафоти таъриhini охирги мисра беради. 1263/1846–1847 йил.

Саримсоқхонни Тошканддан олиб келиб, қатл қилган вақтида Тошканд ҳукуматини Азизбачча³¹¹⁹ Чустийга бергандилар. Кировчини эса Ниёзмухаммадга бердилар, Туркистон эса Қаноатшоҳ³¹²⁰ тусарруфида эди. Қаноатшоҳнинг укаси Даврон *додхоҳ* Саримсоқхон қатли хабарини эшитиб, Туркистонга, акаси олдига бориб, хонзода қатли ва Тошкандга Азизбаччани *ҳоким* бўлиши хабарини етказди. Қаноатшоҳ бу ғаройибасар хабарни эшитиб, // 70^б муҳолифат ноғорасини чалди ва адоват камарини ғайрат белига боғлади. Унинг укаси Даврон *додхоҳ* муҳолифат оташи алангаланиши ва мухосимат (душманлик) куйи баланд жаранглашини кўриб, Туркистонда қолишни ўзига эб кўрмай Бухоро сари йўл олди.

Азизбачча Тошканд *ҳокими* бўлиб келганида итоатни тарғиб этиб, Қаноатшоҳ билан яқинлик излади ва унга элчи юборди. Қаноатшоҳ унинг итоатини қабул қилмай қаршилиқни бошлади. Ҳар хил гап ва сўзларни айтиб элчини қайтарди. Расул ҳам келиб Қаноатшоҳдан эшитган барча сўзларни Азизбаччага айтиб берди. Азизбачча бу бемаза гапларни элчидан эшитиб, жаҳл билан Туркистон устига қўшин тортиб борди ва уни етти ой қамал қилди. Шу муддат охирларида Худоёрхон давлати ривож топишининг аввалларида *мингбоши* бўлиб олган Мухаммадниёз *ҳидоячини* элчи қилиб, сулҳ тузиш учун Қаноатшоҳ олдига юбориб, уни ўз итоатига киргизди. Мухаммадниёз Қаноатни анжому асбоб, мулозимлари ва давлатхоҳларию ҳавохоҳлари билан бирга соғ-саломат Туркистон қалъасидан олиб чиқиб, дарё орқали Бухоро тарафига ўтказиб юбормоқчи эди. Бироқ, Азизи бетамиз ва ул баччаи ҳез берган сўзи ва ваъдасидан қайтиб, Қаноатга етиб олиб, уни қўлга тушириб, молу амвол ва ашқол-ташқолини, асбобу анжомлари билан бирга тортиб олмоқчи бўлди. Мазкур Мухаммадниёз *қўшбеги* Тошканд понсадбошилари билан бирга унга қарши чиқиб, ваъдаларига садоқат кўрсатиб,

³¹¹⁹ Азиз фармончи/парвоначи Чустий. “Азизбачча” номи билан машҳур. Асли Чустлик. Қўқон хонлигининг давлат арбоби ва саркардаларидан. Тошкентда ҳам ҳоким бўлган.

³¹²⁰ Қаноат оталиғ – Қаноатшоҳ оталиғ тожик (1862 йили ўлдирилган). Қаротегиннинг Самсолиқ қишлоғида оламга келган. Ўғли Одилбек, укаси Давронбеклар билан Қўқон хони Мухаммадали хизматига келиб кирган. Қўқон хонлари ва бухоро амири Насруллоҳ ва Музаффарга ҳам хизмат қилган. Жиззах (1855–1856), Туркистон (1856–1857), Марғинон (1859), Тошкент (1860–1862) ҳокими. Рус босқинчиларига қарши Узуг Ағач муҳорабасида Қўқон қўшинига бошлиқ бўлган ва шу урушдан сўнгра ғозий унвонини олган. Амир Музаффар фармони билан қатл этилган.

соғ-саломат Қаноатни дарёдан ўтказиб юбордилар. Қаноат Бухоро сари йўл олди. Азиз эса қайтиб келиб Туркистонга кирди. Туркистонни олган Азизбачча икки ой шу ерда истиқомат қилиб, Тошкандга қайтиб келиб кирганида, Мусулмонқули *мингбошини* Обликқа сургун қилиниши ва ўрнига Мулло Холбек қипчоқни *мингбошилик* мансабига кўтарилгани хабарини эшитди. Мусулмонқули сургун бўлиши хабарини эшитган Азиз дорус-салтанатга қарши адоват ва муҳолифатни бошлади. Дарбори олийда бўлган қипчоқлар Азиз муҳолифатини кўриб, Мусулмонқулини Обликдан олиб келиб, қайта *мингбошилик* мансаби ва амалига қўйдилар. Ўзининг дарбори олийдаги *мингбошилик* мансабига барқарор бўлган (Мусулмонқули) қипчоқ ақобирларининг муҳолифати ва қаршиликларидан кўнглида кўрқиб ва ҳадиксираш пайдо бўлиб, атрофига даҳанкалон авбошлар ва узунзабон бебошларни йиғиб, ёнидан жой бериб, адоват уруғини дили киштзорида экиб, душманлик ва адоват юзасидан қипчоқларнинг аъёнларидан бўлмиш Муҳаммаддиёр *додхоҳ*, Мулло Холбек *дастурхончи*, Раҳмонқули бачча, Жумабой *додхоҳ* кабиларни қатл қилдирди. Шу сабабдан бу разил феълидан адоват оташи қипчоқлар найистонининг // 71^a ўртасига тушиб, аланга олди. Мулло Каримқули *дастурхончи*, Муҳаммадназар Кўрўғли, унинг ўғли Холмуҳаммад *додхоҳ*, Ҳотамқули³¹²¹ *рисолачи* ва бошқалар биргалашиб, Кировчи волийси бўлмиш Нормуҳаммад *додхоҳ*ни Мусулмонқулига қарши чиқишини тарғиб ва ташвиқ қилардилар. Унга мактуб йўллаб ишорат қилдиларки, Мусулмонқулининг феъли бади қабиҳлик билан анжом топмоқда. У муҳолифат ноғораси овозини чиқартириб биз ҳаммамизни ҳалок қилмоқчи. Сиз бародари аржуманддан илтимос шулким, бир илож қилиб Тошканд *понсадбоши*лари билан иттифоқ тарҳини тузиб, якранг ва якжиҳат бўлишингиз лозим. Иттифоқ ҳосил бўлгач Тошканд *понсадбоши*лари ва *оқсоқол*лари маслаҳати билан ўз қўшинингизни Тошканд устига, Азиз бошига тортиб, уни ўртадан кўтарасиз ва мулкни ўз тасарруфингизга киритасиз.

Бу фитна оловининг шарораси ва жонни куйдирадиган тиф дарёсининг жўшишидан хабар топган Нормуҳаммад *додхоҳ* дарҳол Қурама қўшинини йиғиб, Тошканд устига, Азизга қарши борди ва Тошканд вилоятининг аҳли ва *понсадбоши*ларининг иттифоқи билан Тошкандни ўз тасарруфига олиб, Азизбаччани дорул-аморатга юборди.

Азизни Хўқандга келиши билан Мусулмонқули уни амирлар қаторидан жой бериб, ўз ёнида олиб юрди. Андак муддат ўтмасдан қипчоқлар мулкнинг фитна ва фасодига айнан Азиз сабабчи эканини билиб, фасодни йўқ қилиш учун, уни қатл қилдилар. Азиз қатли таърихини бу камина роқими китоб топиб, назм ипига торганим.

Жустам зи хирад таърих аз қатли Азиз,
 Гуфт бар ман, ки агар жўйи зи сол бар зод.
 Ҳамчу софи зи кудурат шуда дур,
 Мулки Фарғона бо зоди фасод. (1266/1849-50).

У бир фасодчи киши эди. Унинг кудуратидан Фарғона мулки фасодга чалинган эди. Қачонки кудурат мулкдан кетса соф(мусаффо)лик ҳосил бўлажак мулк тарозисида бир кучли муфсид (исёнчи) сулҳ тарафдори бўлган юз тан мусаллаҳдан оғир келади. Фитна солиш билага билан бир неча, маъракалар зеби бўлган диловарларни найранг арқони билан Иблис макрини ишлатиб шерларни бандга туширилгандек тутқунликка ташлайди, хато йўлига олиб киради. Ростлик йўлидан пастлик жарига улоқтиради. Бир қанча вилоятларни фитна ва алғов-далғов билан хароб қилади, бузиб ташлайди. У жуда қави фосид ва зўр фитначи эди. У Фарғона мулкидан йўқ қилинган, гўёки кудурат сафодан кўтарилди. Занг босган кўзгу сайқалланиб, пок бўлди. Бинобарин, Фарғона мулкидан “бо зоди фасод”ни айирсалар таърих ҳосил бўлади. Бу воқеа Худоёрхон жулусининг тўртинчи йилида содир бўлган эди.

Назм:

Агар фитнажў роҳ ёбад ба мулк,
 Кунад ғарқи дарёи хун ҳамчу фулк.
 Шавад мулк аз фитнажўёни дашт,
 Зи ғоратгарон ҳамчу саҳройи турк // 71^b

Намангон устидаги қирғизлар муҳолифат бошлаб, Дуоб ўртасида, унинг ғарбидаги Чуча (Чужа) мавзеида қипчоқлар билан жанг қилиб мағлуб бўлган эдилар. Бу воқеа Худоёрхон тахтга ўтиришининг олтинчи йили бўлган эди.

³¹²¹ Ҳотамқул парвоначи – Тўрақўрғон ҳокими, қипчоқларнинг ўлмас уруғидан. Уни Қилич кўрчи ибн Абдуллоҳбек Қўқон бозорида омма олдида қатл этиб, шу билан отасининг қасосини олганга ўхшайди.

Қипчоқларнинг муҳолифати жиҳатидан Мулло Каримқули *дастурхончи* дорул-аморат (Хўқанд)дан қочиб Тошкандга, Нормухаммад *қўшбеги* олдига боргани жулуснинг еттинчи йилида содир бўлган.

Қулика авлодидан бўлмиш Ўратепа волийси Исобекким, асли оти Исҳоқбек³¹²², у ҳам вилоятини ташлаб, осмонўпар остонани ўпиш файзига мушарраф бўлиб, хизматкорлар жулини елкасига ташладики, бу жулуснинг саккизинчи йилида эди. Фақир шу воқеа таъриhini китобат ипига тортдим ва бу авроқда сабт этдим.

Назм:

Дар даври шоҳ Худоёр, ки Худо ёри ўст,
Додаш зафар Худой надода ба Султон Элик.
Аз ройи вакилону вазирони хиракеш,
Чандин қуллоъ фатҳ шуд ба тадбири нек.
Аз зарбати суюфи далирони лашкараш.
Чандон бирехт хуни адуён ба хоку рег.
Дар қасри Истаравшан бар авранги қасри Муғ,
Мире, ки буд ба жойнишин Худоёрбек.
Тарки итоати шоҳи зафарасар чу ў,
Кард охираш надид ба жуз нохуши, валеқ,
Партофта вилоят ва омада бар остони шоҳ,
Аз рўйи ажз ў шуда бар бандагон шарик.
Акнун Ниёзий ба таърихи он бикўш,
Ба панжрўза давр беш нест дақику ракиқ.
Таърихи ин бижустам аз хирад бигуфт,
Аз “тали Муғ” баромада “Исҳоқбек”.

“Исҳоқбек”ни “тали Муғ”дан исқот қилсалар таърих сана 1268/1851-52 ҳосил бўлади.

Худоёрхон тахтга ўтирганининг тўққизинчи йили олдинги хонларнинг қасри бўлмиш Эски Ўрда жойида Мусулмонқули хони замон Худоёрхон номидан Мадрасаи Олий тарҳини чизиб, жулуснинг ўнинчи йили уни қуриб битказди. Шунини таъриhini назм тариқасида топиб, китобат толасига тортилди.

(Таърих):

Некбахтеро сазад шоҳе, ки бошад дин паноҳ,
Аз кудуми шоҳ бошад холи фосиқ дар табоҳ.
Аз мадорис дар замони майманат осори худ,
Дар сари бозор дар ҳар кўча зиннат дода шоҳ.
Аз *надими* шоҳ номаш буд Мусулмонқули,
Мадраса кард жойи хонони қадим ў илмгоҳ.
Таърихи ўро ба ман ҳамчун бигуфт пири хирад,
Инчунин таърих шуд “манзари музакко боб” хоҳ.

1272/1855-56-чи сана “манзари музакко боб” сўзларидан келиб чиқади.

Худоёрхон тахтга ўтиришининг ўн биринчи йили Чинобод ариғи қазиб ва мазкур ариқнинг охирида Баҳробод мавзеини барпо қилди. Унинг таъриhini туркий тилда назм ипига тортиб, ушбу варақларда сабт этиб, // 72^a Фарғоназамин мулкининг охирги адолатли хоқонлари тарихи китобида маржондек ўтказилди.

Назм:

Хон замонинда ул Мусулмонқул,
Сирдин ул қоздириб чиқорди ориғ,
Васфини ман қилурда тарих учун,
Ақлга деди қачон туголди ориғ.
Ақлга ман дедим деди манга,
Бир ориғ сув демай ва кўб де ориғ.
Сабаби булки, кўб ориғ сувлар,
Бул учун таърих ўлди “кулли ариғ”.
Аниқ ва равшан бўлсинким, таърих “кулли ариғ”дадир.

³¹²² Исо парвоначи (ўл.1853 й.) – асли номи Исҳоқ бек, юз қабиласидан. Баҳодирбек ибн Худоёрбий ибн Фозилбий ибн Садиқбий ибн Хушиқабий ибн Қулиқабий ўғли. 1842 йилгача шахрисабзда яшаган. 1842–1844 йй. амир Насруллоҳ томонидан Ўратепа ҳокими этиб тайинланган. Қоқонликлар бу шаҳарни босиб олгач, у бир муддат тутқунликда ушланди ва 1847 йили яна Ўратефага ҳоким этиб тайинланди, 1849 йили Худоёрхон фармони билан қатл этилган.

Аслида, бу ариқнинг қазिश ишларини Чин саркор деган бир қипчоқ туриб бошқарган экан. Бинобарин, Чинобод номи билан машҳур бўлган.

Машорун алайҳ хон жулусининг ўн иккинчи йилида фалокат урган қипчоқларнинг ўзаро фитналари бошланди ва унинг мақолоти қўйидагича. Худоёрхонни шахриёрлик тахтига ва ҳукмронлик тўшагига ўтказиб, шоҳлик тожини азиз бошига кийгизиб, шаҳаншоҳлик либосини салатанатзеб қоматига кийдирган бебош гуруҳ ва авбош жамоа, яъни қипчоқия бошлиқлари фармонбардорлик соҳасида итоатсизлик қадамларини қўйиб, адабсизлик юзасидан ҳукмронликда тилларини узайтириб, султонлик ишлари ва хоқонлик ҳукуматига қўл чўзиб, ҳукумат қилишга даъво ва ҳукмронликни ўзларига раво деб билдилар. Уларнинг ҳар бири ўзбилармонлик ва андишасизлик қилиб, ноҳинжор райи ва ноҳамвор истаклари билан барча амаллар, яъни *оталиқлик*, *мингбошилик*, *парвоначилик*, *дастурхончилик* ва бошқа амалу маснабларни ўзларига нисбат бериб, фуқаро ёқасига зулм қўлларини чўзиб, уламо, машойих ва умаро қонини кўп тўкдилар. Муфассир олимлар, муҳаққиқ машойихлар, содоти узом ва умарои икромлардан Масжиди Жоме мударриси шайхулислом Намангоний, Халифа Сафо марҳумий, Домулло Холмуҳаммад *раис*, Домулло Хўжамқули *аълам*³¹²³, тоба сирроҳуни, яна бир қанча эҳтиром соҳиблари бўлган кишиларни қатл қилдилар. Ул бадмаош бадтийнатлар, шовқин-сурон солувчи бадсириштлар султонлик ишлари ва хоқонлик “ушла, тут” амрини мазкур хонга бермадилар, қоидасизлик ва тартибсизликни ўзларига қоида ва тартиб деб билдилар. Салтанат русму одатига қарши русумни барпо этдилар. Ўтган султонларнинг русуми ва ишларини кўр кўзлари назаридан узоқлаштириб, йўқ қилдилар, қаттиқ ва оғир ишларни жорий қилиб, фуқаро ва раоё аҳволини танг қилдилар. Нописанд ва жанжалкаш, бодани дўст тутувчи, қадахнўш ва мадҳушлардан жами халойиқ норози бўлди.

Раоё ва фуқаро, сағиру кабир уларга нисбатан мазаммат оғизларини очиб, маломат тилларини узайтирдилар. Олий гуҳарли хон ҳам уларнинг дағал ва номарғуб феълларини, зишт ва номатлуб кирдорларини кўриб ҳайратга келарди. Давлатхоҳлар ва намакхўрлар бу ношуд гуруҳни кўриб, жунбиш ва хурўшга келдилар. Бироқ, шунга қарамасдан олий гуҳарлик тамкин юзасидан ва узоқни кўриш боисидан, сурайё назарлик ила Ҳоким ал-ҳокиминга уни топшириб, унинг ҳифзи ҳимоятига ўзини солган эди. Бу аҳволни барча сарт, тожик ва ўзбек сипоҳлари кўриб, ҳаммалари якдил ва якжиҳат бўлдилар.

Шу фалокати замон ва замона фалокати бўлмиш Мусулмонқули ички хабосати ва ўлдирган қипчоқларнинг қасд олишлари ваҳмидан, барча қипчоқ улуғларининг ҳадикидан ғурур бодасидан маст бўлган, сурур сабоҳидан мадҳуш бўлган баъзи қипчоқларни атрофида йиғиб, кибру ғурурдан ўзларига ғарқ бўлиб турганда, вақтни ғанимат деб билганлар Тошканд вилояти халқига, барча *понсадбоши*ларига, ҳамма бошлиқларига ишорат қилиб (қипчоқларга қарши) муҳолифат ва муҳосиматга тарғиб қилдилар. Тошканднинг давлат арконлари ва мамлакат аъёнлари бу ишоратни олишлари билан қипчоқияни дафъ қилиш учун Тошканд ҳокими бўлган Нормуҳаммад *қўшбеги* қипчоқ қаршилигига қарамай муҳолифат ва муҳосимат ноғорасини чалдилар. Беанжом бу гуруҳ ва бесаранжом бу қавм Тошканд аҳлини муҳолифат бошлаганини билдилар ва хашму ғазаб юзасидан қўшин тартиб бериб Дашти қипчоқ сари юришни бошладилар. Қисқа муддатда йўлни босиб, Тошканд устига етиб келдилар. У ердан ўтиб Чимкент устига келиб қўндилар. У ерда қозоқия элидан закот³¹²⁴, олуғот ва солғутларни олиб яна Тошканд устига қайтиб келдилар. Тоқат қилмас иссиқ хавода ўз ишларига машғул бўлган вақтда баъзи *саркардалар*, жумладан Шаҳрихон ҳокими Холмуҳаммад *додхоҳ* ўз жамоаси билан Тошканд ичидагилар билан тил бириктириб, Нормуҳаммад *қўшбегига* “бемулоҳаза чиқиб жангга киришингиз, биз ҳам ўз қўшинимиз билан хонни олиб сизга бориб қўшиламыз”, деб айтибди. Бу хабар шаҳарга етиши билан қўшин бу асрорни текшириш учун Тошканддан чиқиб Мусулмонқули устига бостириб келди. Бу аломатни Мусулмонқули кўриб, тўхтамасдан орқага чекиниб, Чирчиқ дарёси лабига етиб келди. Хонни олиб дарёдан ўтмоқчи бўлганида Тошканд қўшини етиб келиб, жангга киришди. Мусулмонқули минг машаққат билан хонга яқинлашиб, энди уни қўлга олиб сувдан ўтмоқчи бўлганида, олиймақом хонни (Мусулмонқулига) муҳолиф *саркардалар* олиб Тошканд ичига олиб кетишди.

Тошканднинг ботир ва диловар жангчилари барча лашкарлари билан Мусулмонқулини қувиб, Чирчиққа етказдилар. Мусулмонқули озгина қўшини билан қутулиб, Чирчиқдан ўтди ва қочиш йўлига кирди. Найззан диловарлар ва мардафкан *баҳодирлар* Мусулмонқул орқасидан қувиб, суриб бордилар ва баъзиларини ўлдириб, айримларини асирга олдилар. Қочоқлар минг машаққат билан

³¹²³ Эшон Соҳибзода – Миён Фазл Аҳад, Ҳазрати Соҳибзода калон. 1869 йили вафот этган.

³¹²⁴ Закот – тозаланиш. Ислом жамоасидаги камбағаллар фойдасига соҳиби нисоб мусулмонлардан ўз ихтиёрлари билан берилиши керак бўлган солиқ. Бироқ хонликда бу солиқ хон хазинаси фойдасига олинган.

тоғга етиб бориб, // 73^a Облиқ устида отларидан тушдилар. Облиқдан ўтиб, қоча-қоча Чодак йўлига тушдилар. Чодакдан ҳам ўтиб, тез суръат билан дарё лабига, Уйғур марғузур йўлига тушдилар. Намангон йўли билан юриб, Учқўрғон устидан ўтиб, зиёда машаққатлар чекиб, Мусулмонқули қайнотасининг ватани бўлмиш Кетмон тепага етиб борди.

Хони нусратпаноҳи билан бирга Тошкандга кирган қипчоқия ва сартия *саркардалари* иттифоқ билан ҳаммалари Ўтаббой³¹²⁵ *қўшбеги* қипчоқни *мингбоши* этиб, фатҳи тамом ва энг яхши саранжомлик билан Тошканддан чиқиб, тез суръат билан от суриб дорул-аморатга кириб келдилар. Олиймақом хоннинг келиши билан қипчоқлар тахтга даъвоси бор деб, муваққатан (ориятан) хон ўрнида дорул-аморат қасрида мулк бошқаруви учун қолдирилган Абдуллабек ибн Саййидқулини қатл қилдилар.

Бир неча кун ўтиши билан бу оташафрўз фалак яна бир қанча жонсўз нағмаларни бошлади.

Назм:

Ҳар соат фалак оташ бирезад,
Ба ғирболи ҳаводис жон бибезад.
Димор аз рўзгори мудъи барорад,
Ки ҳар рифоқи дигар бар жон ситезад.

Тошканд *саркардаларидан* Қосим *мингбоши*³¹²⁶, Муҳаммадражаб *қўрбоши*, Қамбар *шарбатдор*, Каримқули *понсадбоши* кабилар ҳамда бошқа *понсадбошилар* ва номдор кишилар тил бириктириб маслаҳатни бир қарорга келтирдиларки, олийжоҳ хонни дуо қилмоқ учун остонасига бориб уни ўпиш шарафига мушарраф бўлсак, қипчоқия жамоаси туширган чангу ғуборот ва зангу кудуротни фалакменгзар боргоҳ ойинасидан артиб ташласак, даргоҳи сипехрмонанд сахнидан қора булутни хайдаб, ложувардий осмон ҳавоси каби соф қилсак, деб. Тошканд ҳокими Нормуҳаммад *қўшбегини* ҳам тезда ўз тарафларига ағдариб, сонсиз қўшин билан Хўқандга азм қилиб, йўлга тушдилар. Масофаларни босиб ўтгач, Чорбоғи турангғуга³¹²⁷ келиб қўндилар. Хони салтанатпаноҳига мактуб йўллаб, ўз мудао ва мақсадларини арз қилдилар. Хирадпаноҳ ва диёнатоғоҳ хон инсоф ва диндорлик юзасидан уларнинг илтимосларига бирор-бир жавоб бермай, уларга кетиш учун рухсат берди. Ўзини ҳеч бир гуруҳга мойил қилиб кўрсатмади ва ҳазрати Фаттоҳи зул-мубинга топшириб, сукут сақлади. Чунки ўша пуршўру шарар аломатхез ва ҳолоти қиёматангез соатида бирор-бир тарафга мойиллик кўрсатиш ҳукмронлик ҳикмати ва тадбиридан узоқ эди, ишнинг сару кори ислоҳдан ўтган эди.

Назм:

Ҳамчу мизон рост бошад шоҳ бо ҳар ду тараф,
Дар миён бо худ кашад аз рости қурбу шараф.
Ҳар киро бошад гарон санги замин камар басти он,
//73^b Ҳар хасу хошок кай бо санги ў бошад халаф.

Бинобарин хони динпаноҳ холислик мақомида сокин турди. Дорус-салтанат аскараларига ҳам моний бўлганларидан, дорул-аморат аскарлари ҳам тахтнишин хон табиати ва ботамкин султон истаги билан сокин мақомларида виқор билан жим туришни лозим деб билиб, икки тарафдан ҳам қўл тортдилар. Вилоят аёнлари ва пойтахт маҳаллалари *оқсоқоллари* орқали бериб юборилган мактуб ва рукъаларга ҳам жавоб бермай, уларни ҳам мададсиз ҳолатда огоҳлантириб қайтардилар.

Қиёматасар хабар етиб келиши, шўру надомат исёнчиларидан мактуб олиб келаётган оқсоқолларига жавоб бериб, мулозимларга ҳам рухсат бердиларки, бизлар ҳам кафан кийганлар қаторида (қиёмат кунидек) карнай ва сурнай овозини кутиб турибмиз.

Оқсоқоллар хабари етиб келиши билан Чорбоғи турангғудан чиқиб, (тошкентликлар) чошт вақтида шаҳарга кирдилар. Дорул-аморат даровазасининг олдидаги сахнга келиб қарор топиб, сафларини ростлаб турдилар. Бироз тааммулдан кейин бирдан катта ва кичик ноғораларни садога келтириб, қиличларини қиндан чиқориб, қасри дорул-аморатга от суриб кириб қолдилар.

Мусулмонқули Тошканд устидан қочиб Кетмонтепага келганида, у ҳам қирғизия қўшинини йиғиб, Билқиллама устига келмоқчи бўлиб, Дуоб устидаги тоғ йўлида турди ва қипчоқларнинг муҳолифат ноғораси садога кирди. Душманлик шовқин-сурони ложувардий осмон гунбазигача кўтарилди.

³¹²⁵ Ўтаббой/Ўтамбий – 1862 йили вафот этган. Қипчоқларнинг элатон уруғидан. Қурама (1847), Тошкент (1858), Марғинов (1860) ҳокими. 1853 йил қипчоқлар қирғинидан Худоёрхон ҳомийлиги натижасида омон қолган эди.

³¹²⁶ Қосим мингбоши – 1277/1860–1861 йили афот этган. Закотчи, ботурбоши (Тошкентда), додхоҳ, амири ашкар ва мингбоши унвонларини олган. Кейинчалик Бухоро амирлигига кетиб, амир Насруллоҳ ва амир Музаффарларга хизмат қилган.

³¹²⁷ Турангғу – толга ўхшаш бир тур дарахт номи.

Бу хабар Шаҳрихон, Андижон, Балиқчи ҳокимлари ва унинг атрофидаги *саркардаларига* етиб бориш билан улар ўз қўшинларини жамлаб Мусулмонқули устига бориб, ғолибона урушда қирғизлар қўшинига шикаст бердилар. Сонсиз асирларни қўлга олиб, орқага қайтдилар ва асиру қўлга тушган бандиларни Боймурод Бозор *баҳодир* ўғли орқали Хўқандга юбордилар.

Тошкандликлар қўшинининг муқаддимаси шаҳарга кириб, ўз сўзларини шаҳриёр диққатига етказмоқчи бўлганларида Тошканд лашкари қипчоқларни остин-устун қилиб, ўлдирган жасадлардан тепалик барпо қилдилар. Қипчоқлар қаторида қирғизлардан асир тушган катталарини ҳам қатл қилинди. Ўша ҳадикли кунда:

Назм:

Ба ғавғойи пуршўр Тошкандиён,
 Фаромўш карда роҳ қипчоқиён.
 Дар он рўзи пурҳавли офатасар,
 Шуда ғарқи хун ҳамчун сўфониён.
 Сари душманон мегирифт ҳамчун без,
 Ба шамшер чун фили масти дамон.
 Наҳанги дарёи қаҳру ситез,
 Равон жўйи хун кард аз душманон.
 Надида фалак то ба ин дам чунин.
 Ки аз жўйи шамшерҳо хун равон,
 Фалакро гуфт малак офарин,
 Ба бозуйи зўроварони он замон.
 Фалак дар мукофоти як қатра хун,
 Чу пилон хун резад аз қотилон.
 Ки гуфт кордори ихтиёри кас,
 //74^a Зи мухтор дон кор аз худ мадон.
 Касе бад кунад оқибат бад бувад,
 Чи карди ба пеш ояд аз чарх он.
 Ҳар он кас ба мардум сухан сахт гуфт,
 Шавад бар халойиқ бад ў дар нуҳуфт.

Қуръон оятининг “Унинг касб этгани (яхшилиги) – ўзига ва орттиргани (ёмонлиги) ҳам ўзигадир”³¹²⁸ дегани ўз тасдиғини топиб, давлат аъёнлари ва гуноҳсиз халққа қилган ишлари тез орада ўзларига қайтди. Ўша кунлари гўёки, “киши ўз биродаридан қочур, яна онаси ва отасидан ҳам, хотини ва ўғилларидан (қочур)” деганидек³¹²⁹, қиёмат қоим бўлди-ю қочиш куни бўлди, ака-ука, ота-она, хўжайин ва бола кўзга кўринмади. Арслон ва шерни ит ва тулкини ов қилишганларидек, ҳар бир диловар қипчоқларга ташланиб, уларнинг умрларини хазон қилдилар. Ўликларини судраб дорул-аморат дарвозаларидан олиб чиқиб, қаср саҳнида буғдой боғламларига ўхшаб териб чиқдилар.

Аждардек қилич ва наҳанг каби шамширлар айни ишлаётган пайтда Ўтаббой *қўшбеги мингбоши* жаҳонпаноҳ хон орқасида яшириниб олиб, заҳар сочувчи аждардек қонхўр шамшир дамидан, зар қинли қиличнинг фалокатли тиғидан халос бўлди ва ул замон тиғининг талотўпидан кутулди.

Охирул-амр, салтанат боргоҳининг ойинаси ва аморат таянчининг сажанжали (кўзгуси) муҳолифат, зулм ва зангу ғуборлардан тоза бўлди. Энди хотиржамлик билан давлатхоҳлик, жонсипорлик ва мулкдорлик учун маслаҳатни “барча ишларингизда машварат қилингиз”³¹³⁰ деган оятнинг мазмунича амал қилиб, султонлик ишлари ва мулкдорликнинг зарур амалларида машваратга ҳаракат қилдилар. Ҳамма умаро ва давлат арконлари, жами вазирлар ва салтанат аъёнлари тил бириктириб, давлатни мустаҳкамлаш учун ҳумоюнӣ қулоғига етказдиларки, бу инқилоб давру замонида фориғбол ва бепарво бўлиб ғафлат тўшагида ётмоқ, истироҳат ёстиғида ухламоқ жаҳондорлик қоидаси ва узоқни кўра билиш доирасидан, мамлакатдорлик ва ҳукмронлик тартибидан чиққанга ўхшайди. Биз эшитдикки, Мусулмонқули фитна ва фасад ипини ҳаракатга келтириб, ётган ғалвани кўзғотиб, икки дарё орасида Шаҳрихон, Андижон ва Балиқчи *саркардалари* билан якдил ва якжиҳат бўлибди. Барча қипчоқларни бир жойга йиғиб олиб, қўшин тузиб биз билан муҳораба ва муқоталага омода турибди. Уларнинг ҳужумидан олдин устларига бориб, ул жамоани дафъ қилишга киришиб, бу мулк этагидан бу девтимсоллар чангу ғуборини силтаб ташлаш, бу зараркунандаларни

³¹²⁸ Қуръони карим, 2:286.

³¹²⁹ Қуръони карим, 80:34-36.

³¹³⁰ Қуръони карим, 3:159.

ўртадан йўқ қилиш керак, зеро айна шу иш султонлик тадбирларининг энг улуғи ва хоқонлик муҳим ишларининг энг мукаммалидир. “Ақтулу ал-вазиёт” ояти бунга далилдир.

Назм:

Иложи воқеа қабл аз вуқуъ бояд кард,
Дареғ бувад надорад чу кор рафт аз даст.
Ба об кушта шавад оташ бувад андак,
Вагарна сар бикашад гиру дор аз Қаҳҳор аст.
Ба вақти заъфи аду илож бар кўши,
Вагарна мушкил аз он бишмар, ки бод рафт аз даст.

//74^б Бу барча инсон фардига, айникса султон паноҳий бўлмиш зоти ҳумоюнйга лозимдир.

Маснавий:

Адў ба чашми жаҳондор агар як кас аст,
Ба чашми жаҳонбин ҳамчун хас аст.

Агар душмани шоҳ бошад ҳақир,
Замоне ба шаҳ ў мешавад далир.

Агар зарраи оташ афтад ба хас,
Киро ў баркашад, касе ки шавад дастрас.

Бу узоқни кўзлаб айтилган маслаҳат ҳумоюн таъбига ва жами ҳавохоҳларига маъқул бўлди ва зафарасар лашкар қипчоқлар устига бориб, сафларини рост қилдилар. Маллахон ва Исҳоқбек юзни бошқа баъзи *саркардалар* билан бирга бир неча минг коргар, ғайратасар одамлар билан жанг майдонида саф тортириб, олижоҳ хон нусратасар алам (Туғ) остида қарор топди. Барча *тўфангчи* милтиқларини ва камондонлар ёйларни ўқ билан тўлдириб, қилич ва шамширларини қиндан суғуриб жангга тайёр турдилар. Шу вақтда қипчоқ жамоаси Балиқчи кўли ичидан қадаҳи тушиб қолган маст ва қутурган ит каби, шамширларини яланғочлаб, от ёлларига гавдаларини ташлаб, суръат билан хони зафарёварнинг нусратасар туғига хужум қилдилар. Сартия лашкари камону тўфанг, тўпу жазоирдан бирдан ота бошлади. Тўп ва жазоир тутутинидан, барча лашкария отларининг туёғи остидан кўтарилган чангу ғубордан кўк фалакнинг заррин қайиқи кўздан ғойиб бўлди. Лашкар дарёсининг мавжидан ва жами муборизларнинг шовқин-суронидан фалак узра курсида ўтирганлар бош-оёқсиз бўлиб, ақлу хушларини йўқотдилар. Дўсту душман фарқига боришда ҳамма ожиз бўлиб қолиб, ғолибона жанг воқеа бўлди, бир-бирларига раҳм қилмай қатл қилардилар. Жангу жадал маъракаси бўладиган майдонда кушталардан пушталар кўтардилар.

Назм:

Малак омада дар фалак дар хурўш,
Расид аз замин жўши ғавфо ба гўш.
Тазалзул ба сақфи фалак барфитод,
Зи овози тўпу тўфангу жангу жўш.
Надида чунин жанг Афросиёб,
Бидиди шуди бандаи ҳалқа ба гўш.
Дар он сахро борид борони марг,
Ҳама ғарқи хун гашта шуд маргнўш,
Дар он биёбон ба чанголи тиг ,
Заданд панжа бо китфу зонуву дўш.
Якero дариди чу дандони саг,
Якero газиди шуди сурхпўш.
Якero ту диди ки девона аст,
Ту худ дур дору ба дафъаш бикўш.
Дар он рўз сахрои торику танг,
Надиданд адў то кунад жангу жўш.
Накарданд танаффус пасту баланд,
Биёбанд то ба раъд дар хурўш.
Кашиданд зулмат ҳама дар канор,
Далирон сардорон ҳамчун вухуш.
//75^а Дар он вақт хони далир ҳамчу шер,
Кашид дасту бозу аз он жангу жўш.
Бурун шуда ба оҳистаги чун паланг,

Зи гарду ғубор ў шуда қирпўш.
Баромад зи зулмат надид одаме,
Ба пешаш ба жуз чанде аз хайркўш.
Кашида худи ў дар паноҳи Худо,
Ба хилватгаҳе то ба вақти сурўш.

Ўша замонда пурдил хон, Нил дарёсининг тимсоҳи каби секин ҳаракат қилиб, ўзини четга Худо паноҳига олди ва умид кўлини Фаттоҳи зу-л-маноннинг ҳаблул-матин этагига чўзди, нусрат ва ғалабани кутиб “Насрун мин Аллоҳи”³¹³¹ дея, умид кўзини очиб Аллоҳ таолодан мадад ва ёрини хоҳларди.

Бир бурчакда Маллахон ва Исҳоқбек юз ҳамда бошқа *саркардалари* билан биқтурмада ётган йигитлар, тўп ва жазоир турган бир тарафдаги жойни қипчоқия бузиб кирганини кўриб, бирдан катта журъат кўрсатиб ўзларин ўша ерга урдилар. Шамшир ураётган шердил диловарларнинг кўллари зарбидан “фил куни”³¹³² даги аждарҳога ўхшаш шерларнинг дами тигларидан қипчоқ кўшини тоқати қолмай қочишни ихтиёр этиб, тарқалишди. Сарття лашкарининг йигитлари уларни қувиб, чошиб, ўлдириб бир отчопар масофасигача суриб бордилар. Қайтаётганда энди лашкароҳга етиб келиб олийжоҳ хонни қидириб топмоқчи эдиларки, олдиларидан бир неча минг қипчоқлар туғ ва аламлари билан муқобил келдилар. Йигитлар бу лашкар, албатта, хони нусратпаноҳ кўшини бўлса керак деб ўйладилар. Текшириб кўрсалар қипчоқия кўшини бўлиб чиқди.

Маслаҳат қилиб шундай қарор қилдиларки, бу балойи ногаҳонидек етиб келган кўшин, рад этилмас қазои қадарга ўхшайди. Ундан қутулиш амри маҳолдир. Ўлишдан бошқа чора йўқ, Худо паноҳидан бошқа канора йўқ! Энди таваккал қилиб Аллоҳ этагини кўл билан маҳкам ушлаб, сўйиш ва савашдан бошқа илож йўқ, жонни хонумонидан узишдан бошқа чора йўқ!

Барча диловарлар жонларидан ўтиб, тақдир тақозога тан бериб, сурувга ўзини урган оч бўридек ва қонга ташна шерни ғалага ташлаганидек бирдан ҳужумга ўтдилар. Қипчоқ кўшини эса хоннинг баъзи дасталарини мағлуб қилиб, уларнинг молу ашқолини ўлжа олиб, шу молу амвол ва ашқолу дашқолни талаш билан овора эдилар ва форигболу хотиржамлик билан келардилар. Бир-бирларига айтардиларки, бу худуднинг давлати бизга тааллуқ бўлди. Бизнинг йўлимизни тўсиш учун сарття ва тожиқия, балки бошқаларда ҳам мажол қолмади. // 75⁶ Ғафлат майидан маст бўлиб, мағрур келаётганларида сарття кўшини йўлларини тўсди.

Мусулмонқули эса ўзича ўйлардики, бу маърака жангалининг шерлари эчкилардан иборат. (Бироқ) бу подани салтанат байроғи остида ҳайбатли ёш йигитлар синов тариқасида сафга тортиб, бизга – чўл бўрилари галасига рўпарў қилдирмоқчи бўлиб, пистирмада ушлаган эканлар. Бу авбошлар галаси очлик ва дарбадарликдан ўзларини салтанат байроғи остига олган ва бу лашкарлар кўйлар сурувидек биз оч бўрилар галасидан қочиб кетадилар, бу дайдиларнинг кўллари молу ўлжа юки остида банд бўлиб қолажак. Ўшанда пистирмадан чиқиб уларни ишини саранжом қиламан. Шу фикру хаёлда эдики, олдидан кутмаган ажал ва ногаҳоний балодек (сарття кўшини) чиқиб ҳужумга ўтиб, жангу жадални бошлаб, ҳилолдек қиличлари дами билан ўлдиришга киришдилар. Шерлар кўли зарбидан ва ботирларнинг қонхўр қиличлар дамидан қипчоқлари тобу тоқат қилолмай қочиб кетдилар. Қипчоқларнинг ватани бўлмиш Билқиламага бориб, яшириндилар.

Нусратасар ва давлат ёр бўлган лашкар қипчоқлар қочишидан кейин, Худо ёр бўлган (Худоёр) хонни қидира бошлаганларида, у нусратасар лашкар қаршисидан бабру ҳайдар каби бир неча жонсипор давлатхоҳлар ва йигирма-ўттиз нафар коргар суворий билан, жанггоҳнинг бир тарафидан, чангу ғубор дарёсида ғарқ бўлган ҳолда, жангга киришиб, аломат тўфони ва ҳаводисот ёмғиридан қутулиб, Ҳофизи бечун ҳимоясида келиб қарор топди.

Кутиб олиб тинчигандан кейин Маллахон ва унинг лашкарини қидиришга киришдилар. Бирдан Маллахон ҳам лашкари билан шижоатпаноҳ хон ва муборизатогоҳ султон муқобилидан туғу байдақ, аламу санжоқи билан чиқди. Маллахон лашкари билан хони майманатдийдор ва саодатосор, ховар султони, зиё тарқатувчи хуршидни саодат буржидан ғубор тўфони ҳавосида порлаб чиқишини кўрдилар. Соядек ҳамма отлардан тушиб, хон узангисини ўпишга мушарраф бўлдилар. Бир-бирлари билан келиб кўшилгандан кейин билдиларки, қипчоқия баъзи сарття лашкарини мағлуб этибди, сарття ҳам баъзи қипчоқ кўшинига зарба бериб тарқатган экан. Урушнинг қаттиқлиги ва гарду ғубор тўфонидан бир-бирларининг аҳволидан ғофил қолган эканлар. Оқибат улар бир-бирларига тақдир тақозоси шу экан-да, деб кўйдилар.

³¹³¹ Қуръони карим, 6:13.

³¹³² Қуръони карим, 105 сурасига ишора.

Назм:

Ҳар чи ояд аз қазо жуз нўш кардан чора нест,
Сабр бояд, кўшиши беҳуда онро кора нест.
Шоҳро бояд, ки бошад шукуҳи бо виқор,
Ҳар бало бесабри аз мардон барад бора нест.

Назм:

Ҳар он кас шавад саркаши тождор,
Шавад оқибат ў сазовори дор.

Шундан кейин ҳамма давлат арконлари ва салтанат аъёнлари қолган қўшин билан // 76^а жанггоҳга келдилар. Жанггоҳ майдони сатҳини чала ўлганлар ва яраланганларнинг нолишлари тўлдирган эди. Жон талашида бўлганларнинг руҳ қушларига бу саҳронинг осмони парвоз учун танглик қиларди. Ўлган диловарларнинг қонларидан замин юзи қизил рангга бўялган рангли гилам каби бўлиб, ботирлар жасадлари ва чала ўлдирилган икки қўшин аскарлари билан тўлган эди. Бу қиёматасар воқеа ва қиёматга ўхшаш ҳодисани кўриб, хайрат дарёсида ғарқ бўлишиб, ҳасрат бармоғини надомат тишлари билан қаттиқ тишладилар.

Шу ҳангомда улар жанг бўлган майдонда тўп ва жазоирларни, аробаларни сочилиб ётганини кўрдилар, сипоҳийларнинг асбоб-анжомлари ва қуроллари ерда тарқоқ ётарди. Асбоб-аслаҳаларнинг барчасини йиғиб олиб, аробаларга юклаб олдилар. Тўпларни эса қўшот аробаларга ортиб, хотиржамлик билан Пойтуғ мавзеига қайтдилар.

Пойтуғ икки дарё оралиғида, Билқиламага яқин жойдадир. Шу ерга катта нусрат билан келиб тушдилар.

Қипчоқлар аждаҳопайкар (хон) туғига ҳужум қилганларида туғ остида бўлган баъзи улуғлар, жумладан *Хожакалон Жўйборий*, *Муҳаммадниёз қўшбеги*, *Қосим мингбоши*, *Мўминхўжа понсадбоши*, *Муҳаммадназар қулоқ понсад* ва шунга ўхшашлар биргаликда таваккулпаноҳ хондан узоклашиб, гарду ғубор остида тоғдек виқорли хонни барқарор туришидан беҳабар, ғафлат юзасидан баъзилари Тошканд йўлига кириб, Тошкандга, бировлари Хўқандга, айримлари Марғинонга, баъзилари эса Шаҳрихон ва уларга тобеъ қишлоқ ва музофотларга қочиб кетиб, тарқалдилар. Хожакалон Жўйборий шаҳид бўлдилар. Дорул-аморатнинг номдор ва машҳур кишилари шу тўфонхез ва хунрез жангда ҳалок бўлдилар. *Холжон қўшбеги* ҳам ўшал куни ҳалок бўлди.

Охирул-амр музаффар хон ва Худо ёвар бўлган султон барча захмдорларни ўзи билан Пойтуғга олиб келди ва давлат ёр бўлган қўшин келиб қўниши билан шу мавзеда тўплардан ота бошлади. Нусратасар тўпларнинг овози Андижон, Шаҳрихон, Марғинон ва бошқа вилояту шаҳарларга қочиб кетганларнинг қулоғига етиб бориб улар нусратойин хон ва бахтқарин султон хизматига шошдилар. Зафарпаноҳ ва нусратинтибоҳ қўшинга келиб қўшилганлар ҳисобидан катта жамият ва сон-саноксиз қўшин йиғилди. Уч кундан кейин зафаржилов саманлар тизгинини Билқилама сари, қипчоқлар устига бурдилар. Билқилама кўли устига етиб келиб, катта шукуҳ ва ҳайбат билан кўндилар. Сон-саноксиз ва чексиз сартия қўшини келиб тушганидан Билқилама ичида қуршовда бўлган қипчоқларнинг кўнглида // 76^б қўрқув ва ҳадик пайдо бўлди.

(Қипчоқия катталари) шовқин ва сурон кўтариб, аччиқ сўзлар билан Мусулмонқули қулоғига шундай сўзларни етказдилар: Бизга қандай кунларни раво кўрдинг? Кенг оламни бизларга гўрдек танг қилдинг, тириклик ҳаловатини аччиқ ўлимга алмаштирдинг. Бу қандай одобсизлик? Замон султони ва даврон ҳоконидан бахт топиб, оқибат осий бўлдинг! Бир бадавий, ҳақир бир фуқаро бўлатуриб хато йўлига кириб, ҳукмронлик даъвосини қиласан? Бу қандай кунларки, қипчоқлар авлоди бошига келтирдинг? Отани фарзадлардан, фарзандларни оналаридан, биродарларни сингиллардан, хотинларни эрларидан айирдинг? Ўз худовандинга осий ва исёнчи бўлиб, кенг жаҳонни чумоли кўзидек тор ва гўрдек танг ва қоронғу қилдинг! Энди сани ўз ҳавохоҳларинг билан бирга, айбни ёпадиган ва кечирувчи султон хизматига олиб бориб, узру маъни билан шарофатосор оёғи остига ташлаймиз. Хато ва гуноҳларимизни кечиришини сўраб, бахти қайтган ризожўйларинг билан бирга қадамлари тупроғига садқа қиламиз! Энди сени зудлик билан, кечикмасдан нежнажот шоҳ ва покзот шаҳаншоҳ ҳузурига олиб бориб, таслим бўламиз. Ёмон ишларинг ва ёвуз амалларинг эвази ва бадали сен ўзинг бўласан! Кейин сидқ ва ихлос билан бизлар ҳаммамиз қиличларимизни бўйнимизга осиб, зор-зор нолиб, йиғлаб фалакменгзар боргоҳ остонасига бориб, амирлик шаҳаншоҳига ожиз фалокатасар бошимизни эгиб, тахт таянчлари ва беназир султоннинг *ходим*ларига тамаллуқ ила хато ва гуноҳларимизни кечиришни сўраймиз!

Бу хабарни бандалик расми ва бошэгилик русуми билан хонга етказдилар. Шафқатшиор, айбни кечирувчи хон қипчоқия жамоасининг гуноҳидан ўтди. Шу вақтда Мусулмонқули қанчалар тавалло ва тазарру билан: “мани қўйиб юборинглар, қочиб кетай. Мен тирик қолсам ҳам сизлар ҳеч

зиён кўрмайсизлар. Эй беандиша жамоа, мени қўлга олсалар, билингки, мени ва сизларнинг авлодларингдан сағиру кабир ҳалок бўлади, уларни қатл қиладилар”, деб зорланса ҳам уларга таъсир қилмади. Бахти қайтган ва қабоҳат иқтибос ул жамоа // 77^a Мусулмонқулини ҳавохоҳлари билан қўлга олиб, салтанат пойтахтига юбордилар.

Дорул-аморатда бўлган давлатхоҳлар одам қаддидан икки марта баланд бўлган бир тахт ясаб, унинг устига Мусулмонқулини олиб чиқиб ўтқаздилар. Мулозимлардан, намакхўр ва тобелардан ҳеч ким ўз худовандига шундай осийлик қилмаслиги учун халойиққа ибрат ва ўрناق сифатида уни шундай қилдилар. Бир неча кун уни шу аҳволда дорул-аморат дарвозаси олдида, халойиқ кўзи наздида баланд чорпоя устида, одамларга ибрат бўлиши учун ушлаб туриб, охири барча давлатхоҳларнинг розилиги ва сурайёманзил хоннинг буйруғи билан Мусулмонқулини дорга осдилар.

Назм:

Ҳар он кас шавад саркаши тождор,
Шавад оқибат ў сазовори дор.
(Мазмуни:
Кимики бўлса саркаш тождорға,
Оқибат бўлар сазовор дорға).

Мусулмонқулининг вафотига таърих топиб, назм ипига тортилди:

Ҳар чи бар банда аз Худо бирасид,
Банда аз феъл бо жазо бирасид.
Дафъ натвон иродаи тақдир,
Сабр бояд, ки бандаро бирасид.
Қадами бе адаб ба маснади шоҳ,
Монд таадиб аз Худо бирасид.
Ҳукмроне, ки лоиқи ў нест,
Бас ба ҳукми ў бало бирасид.
Шарти шоҳи қабули омма бувад,
Варна шоҳи ба кас кужо бирасид.
Ҳама баланди кунад ба қабоҳат,
Тожи сар ... ки ҳаво бирасид.
Оқибат дод сар ба боди фано,
Он ки аз феъли худ варо бирасид.
Таърихи қатли ў бигўям ман.
Ки “ба дорул-фано бо қазо бирасид”.

Иккинчи мисранинг ҳарфларини (абжад) ҳисобида коф ҳарфидан ташқари ҳисобланса таърих ҳосил бўлур. Сана 1272/1855-56 йил.

Бир неча муддат ўтиши билан вилоятлар ишларини саранжом қилиб, нусратойин ва зафарқарин хон Дуоб (Иккисув) орасидан дорус-салтанатга қайтиб, ташриф буюргани билан уни бахтиёр этди. Бир неча кундан кейин Маллахонни сарафроз этиб, Тошкандни унга номзод қилдилар. Билқилама жангидан қочиб кетиб Тошканд мулкини эгаллаб, хони олижоҳ номидан бошқариб турган Муҳаммадниёз қўшбегини чақириб олиб, Чимён вилоятини унга бердилар. Андижон вилоятини Исҳоқбек юзга ҳадя қилдилар. Шу алфозда хонлик ва султонлик тахтидаги муҳим ишлари билан машғул бўлиб, вилоятлар ишларини саришта ва сипоҳчилик анжом-асбобларини ҳукумат қўли билан тартибга келтириб, энг зебо муомала ва энг яхши восита билан мулк низоми ва мамлакат бошқарувини барча хонлар ва жамаи хоқонлардан ҳам ўтказиб, // 78^b етти кишвар хонлардан устун ва тождор ҳукмдорларнинг энг сараси бўлди. Фармонбардорлик ва адолат билан ҳукм суришда барча олимақом шоҳлар ва ҳашаматли хонлардан ғолиблик коптогини узиб олди.

Назм:

Жаҳон бар жаҳондори оқил хуш аст,
Назебад бар он шах, ки одамкуш аст.
Худо мулки худро бар он кас бидод,
Ба тахти адолат ба шафқат нишаст.
(Мазмуни:
Жаҳон оқил жаҳондорга хуш келур,
Одамкуш шоҳга мулк ярашмайду.
Худо ўз мулкини ул кишига берар,

Ким у адолат тахтига шафқат ила ўтирур).

Маллахонни Тошкандда хонга қарши муҳолифат бошлагани, у билан учрашганда қочиб кетиб, Бухорода мусофир бўлиб юргани ва шафқатшиор хон томонидан уни қайтариб олиб келгани

Худоёрхон тахтга ўтиришининг тўртинчи йили Тошканд вилояти Маллахонга берилди. Ўшал замонда баъзи наҳс тийнатли кишилар қутқуси билан Маллахон соҳиби тахт бўлмиш хонга қарши иғво ва алғов-далғов бошлади. Шу вақтда Дашти қипчоқ мулкининг бошқаруви ва муҳофизатидан ғофил қолиб, қалъа ва истехкомларда бўлган кишилар ҳолидан воқиф ва огоҳ бўлмади, уларнинг аҳволи билан қизиқмади ҳам. Оқибат Дашти қипчоқ мулкига халал ва рахна йўл топиб, бу мамлакатнинг энг катта мулкларидан бўлмиш Оқмасжидга серкин ва бедин урусия келиб, уни камади. Оқмасжид қалъасининг қалъадори бўлган Муҳаммадали, мақтул Шоди *мингбошининг* жияни (синглисининг ўғли) уч кеча ва кундуз қаттиқ уруш олиб бориб, охирул-амр сипоҳигарчиликнинг муҳим олоти ва қалъадорликнинг энг зарур сабаби бўлмиш қалайи тамом бўлганидан аҳли насоро хабар топиб, қалъа деворлари тагида лаҳим ва ўра қазиб, дору билан тўлдириб, унга ўт кўйиб қалъа деворларини портлатиб, қалъа ичига кирди.

Қалъа ичида қамалда бўлган эркак ва аёл отув қуроллари бўлмиш тўпу тўфангни ташлаб, қилич сопларига қўл чўзиб шундай қаҳрамонлик билан жангга киришдиларки, Одам замонидан то шу дамгача бундай жангни фалак кўзи кўрмаган эди. Бундай гавжум бозорда ҳеч қачон шундай жонбоз шаҳидлар қони билан бўялган қиммат ҳарир мато сотилмаган эди. Саккиз қават осмоннинг малаклари бундай урушни кўрмаган ва эшитмаган эди.

Охир ул-амр қалъадаги аҳоли, эркагу аёл шаҳодат йўли билан жаннат ҳисорида қамалиб қолдилар³¹³³. Шундан кейин русия лашкари қалъани ўз тасарруфига олди. Улар бир-бирларига айтардиларки, жаҳондорлик шундаймукинки, ислом аҳлининг мулки, Мовароуннаҳрнинг дарвозаси бўлган, барча нарсалар билан таъмин бу тилсимот қалъа ҳимоясида нега ғафлатда қолдилар, шундай мулк ва шундай жавонмард эркагу хотинларини нега ҳимоясиз қолдирдилар?! Ахир бу мулк барча аҳли ислом мулкининг дарвозаси, Дашти қипчоқ ерининг киндигидир! Ким бу қалъани қўлга киритса бутун Дашти қипчоқни қўлга олган бўлади. Улар бизларни мана шу ерда дафъ қилишлари зарур эди. // 78^a Маслаҳат қилиб ўзаро душманликни бартараф қилган ҳолда бухорий, урганжий ва хўқандий шу ерга ҳар тарафдан етиб келиб, курашсалар озгина ҳаракат билан бизларни бартараф қилиш мумкин эди. Чунки кўшинга зарур нарсалар, озиқ-овқат ва кийим-кечак бизларга етмасди. Энди шу вилоятлардан бу муҳим нарсалар олинади. Бизларни бу ердан ҳайдаб чиқариш энди мушқилдир. Мана шундай сўзларни руслар айтардилар.

Оқибат ул-амр шу бўлдики, ислом вилоятига рус аҳлининг рахна солиши содир бўлди ва бу воқеа Маллахоннинг Тошканд мамлакатига ҳоким бўлган вақтида эди. Шу йили Маллахон Тошканд ҳукуматига қаноат қилмасдан Худоёрхонга қарши муҳолифат ва душманликни бошлаган эди. Вақтни ғанимат деб билган руслар келиб Оқмасжидни ўз тасарруфларига киритдилар. Мазкур воқеа таърихини қуйидагича топиб, уни назм ипига тортиб бу китоб варақларида сабт этилди.

Назм:

То ки омад ин фалак идборжў,
Сари ў бо нури зулмат карда рў.
Ки ба куфру зулм имдоде кунад,
Ки бо ислом адолат ёр ў.
Мекунад пасту баландиро гузар,
Рўзу шаб вобаста аст бар таку пў.
Аз қадим омад чунин атвори чарх.
Гаҳ ба Фиръавн гаҳ ба Мўсо некхў.
Даҳрро ораста буду либос,
Торикиву равшани аз атвори ў.
Инқилоботи фалак омад ба жўш.
То биёвард куфр бар ин фалак рў.
Аз қудуми номуборак фалакро,

³¹³³ 1853 йил, 28 июлда Оқ масжид босиб олинганда гарнизондаги 300 аскар, 83 нафар аёл ва 65 боладан, 226 та эркак, тўртта аёл ва 2 нафар бола ҳалок бўлиб, 35 нафар эркак, еттида аёл ва 10 бола яраланган. Рус босқинчилардан эса 34 нафари ҳалок бўлган ва 130 нафари эса ярадор бўлган. Қаранг: Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Том I. – Спб., 1906. – С. 225-227.

Торикистон карда гуруҳи фисқжў.
Оқ масжидро, ки гирифтанд русиён,
Шуд нухусоти фалак имдоди ў.
Таърихи онро бижустам аз хирад,
Гўш дори гуфто то гўям ба ту.
Ту агар жўйи зи соли рахнааш,
“Рав зи соли рахнаи куффор жў”.

Қалблари ёғдули кишиларга маълум бўлсинким, охирги мисра бутунлай таърихдир.

Маллахон Тошканд ва Дашти қипчоқни ўз тасарруфига киришини даъво қилиб, уларни ўз ҳукму фармониға олди. Давлат арконлари ва мамлакат аъёнларини хизматкорлик камарини белларига боғлаганлари ва фармонбардорлик жулини елкаларига ташлаб ҳаммалари бош эгиб туришларини кўриб, дилида султонлик ҳавоси ва ҳукмронлик садоси пайдо бўлиб, мажнундек бемаъни сўзлар ва ҳавоий гапларни айтиб, китобат ипиға қадаб бир номақбул элчини рисолат тариқасида хони салимдил, мустақим феъл ҳузуриға юборди. “Мен бу ерда эканимни биласан. Сен мандан кичик бўлганинг боис, менга таъзим қилишинг лозим. Сен бу ерда, мен Хўқандда бўлишим тўғри. Сен менга фармонбардор бўлиб, мани итоатимни қабул эт, зеро сен мани улуғлигимга таъзим бажо келтиришинг керак бўлади. Энди шоҳлик номимда танга чиқаришим, султонлик тожини бошимга кўйишим керак”, деб ёзди.

Назм:

Ноқобилон ба давлати шоҳи кужо расад,
Қобил, ки ҳаст давлати шоҳи ҳамерасад.
(Мазмуни:
Ноқобил шоҳлик давлатиға етмагай.
Қобил киши шоҳлик давлатиға етади).

Элчи етиб келиб муслиҳ ва малиҳ хон давлат арконлари ва салтанат аъёнларига Маллахон элчиси олиб келган хатининг беанжом мазмуни ва мактубининг бесаранжом маъносини маълум қилди. Дорул-аморатнинг барча раислари (улуғлари) хоннинг нуроний райи ва шафқатли хотириға арз қилдиларки, жаҳонпаноҳо, мулкка эғалик Худонинг иноятиға боғлиқ, бандасининг қидирувиға эмас. Хайриятанжом ва шарофатнизом Каломида Аллоҳ таоло “Сен истаган кишиниға мулк ато қилурсан ва истаган кишинидан бу мулкни тортиб олурсан, истаган кишиниғни азиз қилурсан ва истаган кишиниғни хор қилурсан”³¹³⁴, деб ёзганидан маълумки, мулкка эғалик Бениёз ва Бехоҳиш бўлган Аллоҳ таолонинг иродасиға боғлиқ.

Назм:

Бо Худо додагон ситеза макун,
Ба Худододагон Худо дода аст.
“Туъти ал-мулка” гуфт дар Қуръон,
Додани ў зи иллат озод аст.
(Мазмуни
Худо берганларға жаҳл қилмагин,
Худо берганларға Худо берган-оқ.
Қуръонда “Мулкни ато қиларман” деган
Унинг марҳаматида нуқсон йўқ).

Бениёз Аллоҳнинг бағоят лутфи ва бениҳоят карамидан салтанат тўшаги ва шавкат ёстиғини, шоҳлик либослари ва шаҳаншоҳлик кулоҳиға сизнинг вужудингиз ва азиз бошингиз зеб бермоқда. “Истаган кишиниғни азиз қилурсан ва истаган кишиниғни хор қилурсан”³¹³⁵ шу амрнинг далилидир. Кимни азиз тутган бўлса, уни жаҳонбонлик тахти ва ҳукмронлик тўшагида лаёқат бериб кўтарган. Худо берган давлатға қаршилиқ ва таарруз қўлини чўзиб, даъво қилмоқ на қадар аянчли? Шундай андишасиз ва номулойим сўзларни акангиз айтган эканки, оқибат бир куни фитна оташини бу мулк камишзорига солади. У ҳали бош кўтармасдан шу фитна бошиға бориб, уни йўқ қилмоғимиз бизға зарур.

Шу билан маслаҳатни бир жойға қўйиб, элчига жавоб бериб, кетишиға рухсат беришди. Элчи чиқиб кетиши билан, бениҳоя қўшин тартиб бериб, суръат билан Тошканд устиға равона бўлдилар.

³¹³⁴ Қуръони карим, 3:26.

³¹³⁵ Қуръони карим, 3:26.

Тез кунда Шош устига бориб қўндилар. Эртаси отланиб, ўз сафларини тартибга келтирдилар ва жангга омода бўлиб, барқарор турдилар.

Маллахон ҳам қалъадан чиқиб муқобил турди ва мизожи ўзгаришидан режасиз жангга киришди. Бироз фурсатдан кейин Маллахон лашкари нусратасар лашкарга тоб келтирмай чекинишга юзланди ва ҳар тамонга тарқалиб кетишди. Маллахон отига қамчи уриб икки-уч нафар мулозимлари билан дарёдан ўтиб, Бухоро сари йўл олди. Нусратпаноҳ хон эса катта давлат ва улкан шавкат билан Тошканд ичига кирди. Шу ҳудуднинг ҳамма уламо ва фузалосига фоҳира либослар бериб, уларни сарафроз этди ва барча уламо, фузало ва фуқарони кўнгил сўраш билан хурсанд ва мафтун этди. Даврон *Додхоҳ* тожик ўғли Сўфибекни Тошканд ҳукумати устига қўйиб, ўзи катта нусрат билан дорул-аморатга // 79^а қайтди ва ўз қароргоҳи файзидан баҳраманд бўлди.

Тошканддан қочиб кетган Маллахон Бухоро дорул-аморатига бориб, амирга манзур бўлди. Амир ҳам унга яхши макон ва марғуб манзил бериб, вазифа (нафақа) тайинлади.

Қанча ой ва йил Маллахон Бухорода мусофир бўлиб истиқомат қилган бўлса ҳам шафқатшиор ва раҳмгузор хон ака-укачилик ва қариндошлик юзасидан унинг афъоли қабиҳасига қарши энг яхши эҳсонларни унга кўрсатар эди. Ҳар олти ойда унга фоҳира сарполар ва турли либослар, юз ёки икки юз ашрафи тилло юбориб турарди, мурувват ва футувват кўрсатарди. Бир-икки йил ўтар ўтмас хондаги шафқат томири ва укалик ҳисси ҳаракатга кириб, Маллахон гуноҳидан ўтиб, жулусининг ўн тўртинчи йилида шафқатшиор ва гуноҳлардан ўтувчи меҳрибон хон хат ёзиб, Маллахонни чақириб олди ва ўз хизматида ушлаб туриб, бир дақиқа ҳам ундан таҳаммул ва тағофул қилмасди.

Бир-икки йил ўтмасдан Маллахоннинг ноқобил томири яна ҳаракатга келиб, бир қанча ёмон ниятли жамоа ва ҳаромнамак ёмон андишали кишиларни ўз атрофида жамлаб, салтанатга даъво қилиш маслаҳатини ўртага ташлади. Ул шумтийнат ва ботинлари тийра бўлганлар унинг маслаҳатини маъқуллаб, бу қабиҳ иш ва шум ниятга тарғиб эта бошладилар. Мухолифат оловини мувофиқат қамишзори ва қариндошлик пахтазорига қўйдилар. Ҳавохоҳлар маслаҳати ва хатокорлар фикрлари Маллахонни ислоҳ йўлидан ташқарига чиқарди. Улар бир дунё (одам)ни ўзларига ҳамроҳ қилиб, бу мулкда исён кўтармоқчи бўлдилар.

Айғоқчилар бу ваҳшатасар хабарни салимдил хоннинг мунаввар хотирига етказдилар. Бу ёқмас хабарни эшитгач, зудлик билан одам юбориб уни қўлга олмоқчи бўлдилар. Бироқ, Маллахон воқиф бўлиб, тезлик билан отга миниб бир неча ишончли мулозимлари билан шаҳар дарвозасидан чиқиб, Учқўрғон йўлига кириб кетди. Бу хабарни ҳам хонга етказдилар. Бундан хабардор бўлгач, унинг орқасидан икки-уч *понсадбошига* “бориб ҳамроҳлари билан бирга қўлга олиб келинглари”, деб буюрди. Бироқ, бу хунаса *понсадбошиларга* бу амр муяссар бўлмади ва улар қайтиб келиб, ёлғон сўзларни иблисдек ўйлаб чиқиб: “ҳарчанд суръат билан саъй қилдик, бироқ унга етолмадик ва у қочиб кетди”, деб айтдилар.

Бу воқеадан барча умаро, фузало ва фуқаро хабар топиб, ташвишга тушдилар ва раҳмдил хонни мазаммат қилишга тушдилар. Улар: “Бир неча марта унинг ёмон афъоли ва ёвуз атвори // 79^б халойиққа маълум бўлиб, ундан бу хил ишлар кўп воқе бўлди. Шунча қабиҳлигига қарамасдан, унга Тошканд вилояти ва Дашти қипчоқ ҳукуматини берди. Бунга қаноат қилмай салтанат даъвосини қилди. Охири беадад лашкар билан унинг устига бориб ул вилоятдан чиқариб юбордик, мамлакатни унинг қаршилиқ кудуратидан тоза қилдик, вилоят чаманистони ва ҳукуматни ундан покладик. Ғайирлик ва мухолифат доирасидан четлаштирдик. Бироқ, уни шундай феълу атворини била туриб, бир кутилмаган балодек бу мулк бошига етиб келиб, азим бир шовқин-сурон кўтарди. Бу қандай шафқатки, бир чумолини ҳайбатли илонга ва бир илонни аждар шаклига келтирилди? Бу эса оқиллар наздида султонлардан содир бўлган энг хавфли қилмишдир. Салтанат ишларида ака-укалик сийланмайди, зеро салтанат даъвоси натижасида бир қанча гуноҳсиз одамларнинг қони, ҳақорат заминига тўкилади. Маишат, тирикчилик ва умргузаронлик етимлар, бева-бечора, кимсасиз одамларга оғор машаққатга айланади. Бу қандай ташвишки, марҳаматли хон бу машаққатни ўзига лозим деб билди? Энди тақдири илоҳийга таслим бўлиб, унинг иродасига рози бўлишимиз лозим”, деб айтдилар.

Назм:

Ҳар чи ояд аз қазо бар сари одам дидан аст,
Қисмати рўзи азал банда бардам дидан аст.
Ҳар чи аз рўзи азал карда насибе бандаро,
Хоҳ гармии нафас хоҳ дами сард дидан аст.

(Мазмуни:

Қазодан нимаики одам боласи бошига келса кўрмоғи лозим,
Азал кунидан бошлаб киши пешонасидагини кўради.

Бандани азал кунидан насибаси не бўлса,
Исиқми, совуқми барчасини кўради).

Энди шафқатшиор хон билан бирга шаҳар қалъасини мустаҳкам ёпиб, мудофаа асбоб-анжомларини омода қилиб туришимиз зарур.

Хони саломатдил ўз ҳимоясини Ҳофизи Ҳуффозга топшириб, хотиржамлик билан барқарор турди. Маллахон пойтахтдан қочиб Учқўрғондаги қирғизлар орасига борди ва тоғ ичида қарор топди. Ул ҳудуднинг барча қирғизларини чақириб олиб, ўз аҳволи можаросини уларга маълум қилди. Ул авбош ва бебош жамоа Маллахон қадамини ўзларига муборак деб билиб, сардорлик ҳукумати, мамлакат бошқаруви, амалдорлик мансаблари ва туғдорлик ҳавоси бошларида пайдо бўлди. Ул бечора ноумидлар шундай умидлар билан даъватни жону диллари билан қабул қилиб, қипчоқия жамоасига ҳам мулозим юбордилар ва мақсадларини уларга ҳам маълум қилдилар. Ул бетамиз ва фасодчию хунрез, фитнахез ва шўрангез қирғизлар бу сўзларни эшитиб, // 80^a гулдек очилиб, хурсанд бўлдилар. Қабих иқтибосли ул гуруҳнинг номдорлари катта жамоат билан от чоптириб келиб, Маллахон узангисини ўпиш шарафига мушарраф бўлишди. Мазкур хон ўз дилидаги истакларни қипчоқия аҳлига ҳам маълум қилди. Уларни ҳам хомтамалик билан далда бериб, элотия кўшинини йиғиш учун мулозим буюрди. **Назм:**

Аз он боғ булбул шавад нопадид,
Бигардад нишеман ба зоғи палид.
Ба ҳар кас назебад либоси шаҳи,
Кунад ор жавҳар зи тиғи ҳадид.
(Мазмуни:
Ул боғдан булбул кетар, кўринмас,
Палид зоғ-зағанга бўлади макон.
Ҳар кимсага шоҳлик либоси ярашмас,
Ўткир шамшир сопига гавҳар қадалмас).

Оқибат андак кунда қирғиз, қипчоқу турк, қороқалпоқ³¹³⁶ у жонбағиш ва қалмоқ, ҳар жамоадан гуруҳ-гуруҳ келиб жам бўлдилар. Элотия бир жойда йиғилиши билан, барча чўлу биёбон ва бадавию чўлистон халқи билан бирга (Маллахонни) хон кўтариб, туғ ва алам барпо қилдилар. У ердан кўчиб Асака устига келиб тушдилар. Бу ерда бир-икки кун туриб, Андижон, Шаҳрихон ва Марғинонга киши юбориб, кўшин талаб қилдилар. Вилоятлар ҳам бу маънони қабул қилиб, тортиқ ва ҳадялар билан чиқиб кўришдилар ва арз қилдиларки, бунча ташвиш тортиб бу ерда туриш ва вилоятларни оёқ-ости қилиш маслаҳатдан узоқ кўринади. Зеро, ўз вилоятини хароб қилмоқ – ўз оёғига болта урмоқдек гап. Бу вилоятларнинг барчаси дорус-салтанатга бўйсинади. Қадимул-аёмдан бери бу мулк Хўқандга тегишли. Қайси некбахт шоҳ энг саодатли ва энг шарофатли дорус-салтанат тахтига чикса, муборак қадамини султонлик узангига кўйса, жаҳонбонлик тўшагини вужуди билан мушарраф этса, мулк ҳам уники бўлади, халойиқ ҳам унга тобе ва итоатда бўлишади.

Назм:

Тождоре ва сина нигаҳдоре,
Омад ин мулкро сазоворе.
Аз қадим омад ин насқ бар ин,

³¹³⁶ Қорақалпоқ/қорақалпоқ – Ўрта Осиёдаги халқ, Ўрта Осиё, Туркменистон, Қозоғистонда, Россияда, Афғонистонда, Эронда ҳам яшайди. Қорақалпоқ тилида сўзлашади. Мил. II аср охири – IV асрларда Орол бўйи чўлларига Шарқдан хунлар, VI–VIII асрларда эса туркийлар келиб маҳаллий қабилалар билан қисман аралашиб кетган. Мана шу этник негизда Орол бўйи илк ўрта аср халқлари – бижанақлар ва ўғузларнинг шаклланиш жараёни кечган, уларнинг муҳитида VIII–X асрларда Қорақалпоқларнинг ҳам шаклланиши бошланган. X асрнинг бошида бижанақларнинг бир қисми Ғарбга, Жанубий рус чўлларига кетган; Киев Руси ҳудудига келиб жойлашган қабилалар рус йилномаларида “чёрные клобуки” (қора қалпоқлар) деб ном олган. Волга-Урал оралиғида қолган бижанақларнинг шарқий қисми Иртиш ҳавзасидан келган қипчоқлар билан аста-секин аралашиб кетган, уларнинг тилини қабул қилган. Манбаларда қипчоқ уруғ-қабиласи иттифоқида “Қорақалпоқ” атамасига мос келувчи «қора бўркли» этноними учрайди. Мўғуллар истилоси даврида Рашидиддин асарида «қавми кулохи сиях» номи билан қайд этилган. Чингизхон босқини оқибатида улар Ғарбга – Волга бўйларига, Сарикамиш, Ўзбўй ва Амударёнинг қуйи оқими бўйларига кўчишга мажбур бўлганлар.

Қорақалпоқлар ярим ўтроқ ҳаёт кечириб, суғорма деҳқончиликни чорвачилик (айникса, қорамол) ва балиқ овлаш билан қўшиб олиб борганлар. Уларнинг аксарият қисми XVII–XVIII асрлар ўрталарида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими бўйлари (Туркистон, Жанкент, Чирикработ) ҳамда бир қисми Орол минтақасида (Кўнғирот, Шоҳтемир ш.) яшашган. Бирок Ёйиқ ва Эмба дарёлари бўйларида ҳам улар истикомат қилганликлари ҳақида маълумотлар бор. 1743 йили қозоқ хони Абулхайрон қорақалпоқларга ҳужум қилган, натижада сирдарёлик қорақалпоқларнинг асосий қисми XVIII асрнинг иккинчи ярмида Сирдарёдан унинг ғарбий ирмоғи – Жанадарёга кўчган. XIX аср – XX аср бошида қорақалпоқларда хўжалик, ижтимоий ва оилавий ҳаётда уруғ-қабиласи тизими ва патриархал-уруғчилик муносабатлари қолдиқлари сақланиб қолган (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси).

Ба ҳамаи мулк ҳукми ў жори.
Бар кади ин вилоят омад рост,
Тахту тожи шаҳи ва сипоҳдори.
Рутбаи ин вилоят аст баланд,
Баски шуд салтанат бар ин жори.
Тождорони мулки Турон,
Карда ин мулкро ниғаҳдори.
Ту макун васфи ин вилоятҳо,
Бар ҳама мулк васфи ин жори.
Аз Худо талаб кун ту ободи,
То кунад Ҳақ зи лутфи худ ёри.
Дашманон дар харобии ин мулк,
Омада карда зулм изҳори.
Он амир карда намуд дав,
Натвонист ў ниғаҳдори.
То таассуфқунон бадар рафтанд,
Оқибат дасти холи ва бекори.
Эй хирад зи Ҳақ ту талаб бикун,
Шавкату давлати худоёри.
То пансад сол даври давлати ў,
Мустақим дорад ҳазрати Бори//80^б

Сизлар ўз саманлари жиловини ул вилоят ери устига буришларинг, ул низоми тартибли ва баландмақом шаҳарга боришларинг керак бўлади. Агарда ул вилоят куч билан фатҳ этилса яхши, илло чўзилиб кетса ўша вилоятда туриб қолишларингга тўғри келади. Ул вилоят жуда ҳам баракали, кенг этаги бор. Андак қамал билан уни тасарруф этмоқ жуда мушқилдир.

Назм:

Аруси салтанат аз он, ки дар оғўши худ гирад,
Ба атвори мулойим бори меҳнат дўши худ гирад
Бу хушхуби низоми салтанат санжидан авлитар,
Вагарна ранжиши дилҳои олам дўши худ гирад.
Ҳамон шоҳе, ки зулму бидъат аз ў маназзам гардад,
Фиғону нолаҳо дар жўш ояд гўши худ гирад.
Ҳамон золим, ки тухми зулм бирехт дар замини мулк,
Бикорад оқибат он ҳосил аз кишти худ гирад.

Вилоят атрофу жонибини мулойим сўзлар ва яхши хулқ билан ўз тасарруфингизга олинг. Бу эса кутиш ва сабрдан ҳосил бўлажак. Қамал чўзилиб кетса, қўшинга очлик хавф солса, ғалла ва бошқа харажат лозим бўлганда ҳолимизга яраша озиқ-овқат, ғалла, ем-хашакни вилоятларимиздан йиғиб сизларга етказамиз. Агарда ҳар бир вилоят устига борсангиз кеч қоласиз. Аём аҳволи ўзгариб, Фаттоҳи зул-мубин сизларга очиб берган фатҳ эшиги бирдан ёпилиб қолса, “Ат-та’хиру офатух”, кечикмоқ офатдир, дегани рост бўлиб чиқади. Мабодо, Бухоро ва бошқа жойлардан, теваарак-атрофдан дорус-салтанатга муҳолифлар кириб келсалар иш сизларга душворлик билан якун топиши мумкин”. Юртиянинг бундай алжир ва номақбул сўзлари қипчоқия ва қирғизияга маъқул келди ва улар бу ердан кўчиб, Самончининг шарқига келиб тушдилар.

Бу ҳадикли хабар содиқсўз хон қулоғига етиб борди ва у қўшин йиғишни ўзига лозим деб билди ва қўшин йиғишга мулозимларни маъмур қилиб, жўнатди. Андак фурсатда лашкар жамоаси йиғилди. Қўшин жам бўлгач, Саритолга чиқиб, бир кун бу ерда қолиб, учинчи куни қўшин бутунлай йиғилишини кўриб, у ердан кўчдилар ва Самончи тарафига, қипчоқия ва қирғизия устига равона бўлдилар. Қуёш ботаётган бир вақтда элотия қўшини устига етиб келдилар ва сафларини ростлаб, жангга киришдилар. Жангнинг энг авжи палласида Фармон *додхоҳ* деган бир Облиқ *саркардаси* туғ ва байдақи билан бирга орқага чекиниб, Самончи даштида тарқалиб ва пароканда бўлиб кетди. Ундан содир бўлган бу номақбул ишни қипчоқлар билан тил бириктирганидан деб айтардилар. // 81^а Баъзилар эса, эҳтимол бошқа *саркардалар* ҳам ўзаро тил бириктирган бўлишлари мумкин деб, айтардилар.

Бу хатарли хабар барчанинг кўнгилларига тушиб, бирдан қочишга ихтиёр қилдилар. Хони номвар ва султони Худо ёварнинг қўшини чекинганда у бир неча *тўпчи* ва уч нафар *сарбоз* билан қипчоқия қўшинига рўпара турган эди. Бирдан Маллахон бир неча мулозимлари билан хони диловар Худоёрхонга яқинлашди. Иккала шахзода бир-бирларига муқобил туриб қолдилар.

Назм:

Бубин бозии золи фартути чарх,
Ду шахзодаро ў кунад ком талх.
Ба даст дода аст ҳар дуру тиғи тез,
Тамошо кунон дастҳо бари зех.
Ки то барканад риштаи ғунчаги,
Баргиронад шоҳу пайванду бех.

Иккалалари қиличларини қиндан суғуриб, рўпара турдилар. Охирул-амр хон паҳлавонлик ва диловарлик билан елдек учувчан оти ва маъаракани безовчи саманига қамчи уриб, суръат билан Маллахонга етиб олди. Зар қинли, буқаламун ва қонхўр шамшири билан унинг бошига шундай урдик, қуёш нури ҳам назарида қоронғу кўринди, нуроний олам тунга айланди. Минг азоб билан ўзини от устида ушлаб турган хони ял, балки бемаҳал ажал қўлидан катта машаққат билан қутулди. Валекин дарёдил хон оташ дарёси ичида, *тўпчилар* қаторида туриб, фашофаш ўқ отар ва отлик *сарбозларни* атрофига олиб, урушарди. Шунча тўп ва тўфанглардан отдиларки, уларнинг тутуни ўша биёбон заминини ва чўл тупроғини олов кўрасига айлантирди ва унинг тутуни бутун саҳро ҳавосини ўраб олди. Ярим кун қоп-қора тунга айланди. Жанг ҳаддан ошиб кетди.

Назм:

Шаҳи тождор самандармисол,
Бикард жанг бо тўпу оташ маол.
Пароканда мекард ба як зарби тир,
Гурўҳи биёбони ва қавми шарир.
Бидоди ба дасти худ оташ ба тўп,
Ки охир бикард шоҳ кораш ба тўп.
Шаҳи пурдил асбобу анжоми худ,
Саломат баровард зи дарёи дуд.
Чунон корзоре, ки хони далир,
Бикард, накард ҳеч шоҳу вазир.
Ба бозуи худ аз он маърака,
Бар омад ба асбоб аз он ҳарбгаҳ.
Саломат ба асбоби шоҳи ба роҳ,
Зўр омад надода яке ришта шоҳ.

Охир ул-амр барча тўпларни *тўпчилари* билан ва *сарбозларни* олиб сиҳат ва саломат жанг қила-қила дорул-аморатга қайтиб келишди. Олиймақом хон пойтахтга келиб кириши билан Маллахон ўзининг ўзбилармон гуруҳи ва беандеша жамоаси билан Тўқайтепага келиб тушди. Атрофларига қалъа ва хандақ қуришни буюриб, бир ой ёки ундан камроқ вақт у ерда истиқомат қилдилар. Пойтахт атрофидаги тожикия ва сартия халқи яшайдиган қишлоқлардан // 81б аҳолини йиғиб олиб келиб, итоатларига киргиздилар.

Фаросатли хон ва андишали султон билдики, қипчоқия ва қирғизия жамоаси бутун Фарғона мулки аҳолисини то Кошғар довонигача мажбуран йиғиб келиб, катта бир жамоат тузиб бу мулк устига тўкканлар. Фаросат билан хон тушундики, мизожи ўзгарган Маллахон бу авбошия ва гож жамоаси билан бу мулкни анжом ва саранжом этиши амри маҳолдир. Тез орада мажбурий тарзда йиғилган бу тарқоқ жамоа балвои ом кўтаради. Бу бадавий ва ғўл ваҳшийларнинг бу мулкда муқим истиқомат қилишлари ҳеч мумкин эмас. Чунки буларнинг ҳаммалари кенг саҳро ва баланд тоғлардан келиб қолганлар. Тирик гўрга киришни ва ранж тортишни улар ўзларига лозим деб билмайдилар. Охирул-амр тум-тарақай пароканда бўлиб кетадилар. Бундан ташқари пурнифоқ қипчоқия ва бешафқат қирғизия мулк ва ҳокимият учун талашадилар, Маллахонга таслим бошини эгмайдилар.

Ғаюр таъбли, аммо савдойи ва ғафлат ботқоғида ботган Маллахон қаҳр ва ғазаб юзасидан султонлик ишларини носипос ва иш кўзини билмайдиган жамоага топширади ва дағаллик билан уларга муомала қилганида яқин фурсат ва тез муддатда ул терс жамоа томонидан рад қилинади. Уларнинг иттифоқи муҳолифат билан охирга етади. Оқибат бу ўзбилармонларнинг ишлари қон тўкиш билан, бу мулкнинг аҳволоти беанжомлик ва саранжомсизликка юз тутади. Яхшиси бу мулкни жангу жадал, талошу саваш ва ғавафо билан тўлдирмай, ташвиши пурмаломат ва тарғиби надомат қилмайин. Бу пурғавафо қароргоҳ ва бу ғалаёнли макондан ҳижрат қилиб, мусофирликни ихтиёр қилайин. Муҳожиратни лозим топиб кетиш ва бу бало тўфонидан сақланиш энг яхши маслаҳат ва энг гўзал тадбирдир. Чунки ҳижрон мақсуд висолига етишнинг сабаби, фуқарат эса матлуб дийдорига етишнинг боисидир. Боз устига наҳс юлдузлар ва фалак остида содир бўлаётган ҳодисалар пур шўру

шар ва жўшу хурўшга киришган. Ҳазрати расолат паноҳи (с.а.в.) мавжудотнинг энг аъзами ва махлуқотнинг энг ашрафи Маккадан ҳижрат қилиб, Мадинага келганидан кейин Макка ва бошқа вилоятларни фатҳ этган. Қурайш душманларининг йўқ бўлишлари ҳам ҳижратдан кейин муяссар бўлди. Энди сарвари олам суннати файзидан баҳраманд бўлиб, исломий ишларининг энг улуг ишларидан бирини қилиш лозим. Кечикмасдан бу мулкдан кўчишим керак.

Хон намакхўрлар ва давлатхоҳларини йиғиб олиб, аҳли вилоятдан // 82^a узр сўради. Ширинсўзлик ва мулойимлик билан барча халойиқ дилларини қўлга олиб, вилоят аҳлига далда берди ва хотирларини тинчитиб, хотиржамлик ва фароғат билан вилоятдан чиқиб, Бухоро сари йўл олди. Суръат билан равона бўлиб, бир неча кундан кейин Хўжандга кирди. Бу ернинг халқи андишасизлик қилиб, хонни қўлга тушириб дорул-аморатга юбормоқчи бўлди. Хони диловар ва султони зўровар қахрамонлик ва довюраклик билан сафларни ёрувчи ва ёқаларни чок этувчи шамшири билан ул андишасиз гуруҳ сафини ёриб, ул жафокорлар этагини тилка-пора қилиб Хўжанд дарвозасидан чиқиб, Бухоро йўлида давом этди. Бир неча кундан кейин Самарқанд вилоятига кирди. Вилоят волийси хони саодатфаржомга таъзим ва эҳтиром кўрсатиб, яхши макон ва яхши манзилга жойлаштирди, меҳмондорлик тартибини шаҳаншоҳларга хос тарзда бажо келтирди. Беш-олти кун шу ерда хонни кутиб, Бухоро амирига мулозим юбориб воқеадан хабардор қилди. Амир ҳам хурсандчилик ва шодлик юзасидан *маҳрам* юбориб ўз хизматига талаб қилди. Шундан кейин хон Самарқанддан чиқиб, Бухоро йўлига тушди. Йўл босиб Бухоро дорул-аморатига кирди. Бухоро амири таъзимни подшоҳларга хос ва шаҳаншоҳларга мос тарзда бажариб, у билан учрашди. Амир марҳамат юзасидан сафарни ихтиёр этган хонга шоҳлар расми ва тождорлар лаёқатига мувоқиқ муносибатда бўлуб, яхши гуфтор ва кўнгил сўрашлар билан шоҳлик тахти ёнидан, шаҳаншоҳлик ўрни тўридан, ўзига яқин жойга ўтказди. Меҳмондорчилик расмини султонларга лойиқ ва хоқонларга мувофиқ адо қилди ва фароғат топиб, еб-ичишлардан сўнг бир кенг макон ва баланд манзил тайин этди. Баландмакон хон ва малоҳатзабон султон катта иззат ва ҳурмат билан рухсат олиб, белгиланган макон ва зийнатланган манзилга келиб кўнди. Неча муддат шу ерда истиқомат қилган бўлса, шу давлатхона боргоҳидаги барча умаро ва кубаросига, ул олий даргоҳнинг жами аҳлига манзури шоҳий ва мақбули шаҳаншоҳий бўлди. Аҳволу атвор ва ўтириш-туришда ҳам саодатли хонни кўриб, мушоҳада қилганларнинг барчаси билдики, шоҳлик нишонаси унинг кенг пешонасидан, нуроний манглайдан порламоқда, шаҳаншоҳлик шуъласи оламоро юзида чақнамоқда, шаҳаншоҳлик либоси унинг зебо қадида тик ва хужаста қоматида рост турибди.

Унинг тождор бошига ва давлат ёр бўлган манглайига тушган бу кўргиликлар Аллоҳ таолонинг унга ёр бўлмагани, Бениёз ва Беҳожат Зот марҳаматидан четда қолишини узоқни кўра биладиган ақли ва мулоҳазали хотири билан идрок этди. Ҳазрати Вожибул-вужуд ва беҳамто ўз бандасини тахту бахт устидан бахтсизлик жарлигига ташлайди. Олимлар илм Аллоҳ ҳузурида эканини билиб, уч хол барча кўргиликларга сабаб бўлишини билган: биринчиси, кенг неъматига шукр ўрнига куфр келтириш, У берган комил давлатига таъзим этмаслик; иккинчиси, мулк бошқарувидаги илм, амалиёт ва ишларини жаҳл, дангасалик ва жоҳиллик билан ижро этиш; учинчиси, иноёти беиноят аломоти ва лутфи, Худо ва Холиқи мутлақнинг ато ва шафқати бандани ҳаводис тўфонларининг мавжларида мусофират кемаси билан нажот соҳили файзидан баҳраманд этса, унга рози бўлмаслик. Адиби комил мусофират машаққатлари ва кулфати билан бандасини тарбиялайди, токим мулкдорлик ишларида ва ҳукмронлик русумотида у доно ва муаллим бўлсин. Булар ҳаммаси Бениёз ва Беҳожат Аллоҳнинг марҳамати, карами ва шафқатининг аломатидандир.

Назм:

Сарафрози ёфт аз лутфи Карим,
Он, ки бошад ў ба роҳаш мустақим.
Сар натобад он, ки ў фармони ў,
Бахшидаш султони шоҳи бе *надим*.
Гарчи аз тахташ кунад ўро жудо,
Оқибат дар салтанат дорад муқим.
Жой бар тахт, тож бар сар мекунад,
Шаҳ, ки орад раҳм бар ҳоли ятим.
Ҳар ятимпарвар, мусофиржў амир,
Бошад ў ҳар жо Худо дорад салим.
Эй Ниёзий, фақржўёнро Худо,
Дар паноҳи худ дароварад муқим.

Алқисса, хони саодатасар ва султони давлатёр бир неча вақт Бухорода мусофир тариқасида садоқатли мулозимлари билан истиқомат қилди.

Энди тезюрар қалам оти бошини **Маллахон воқеоти ва умуроти**, қирғизия ва қипчоқиянинг салтанат бошқаруви ва ҳукмронлиги баёнига буриб, варақ майдонида чопқир хушбўй уфор тарқатадиган хомани ҳайдаб, варақ саҳифалари майдонида бу қавми бебош ва гуруҳи авбошнинг қилмишлари баёнида жавлон бериб, салтанат ва ҳукмронликлари ёзилажақ.

Маллахон қипчоқ ва қирғиз, жами жамоаи бепарҳез билан дорус-салтанат бўлмиш Хўқанд шаҳрига кириб борганида вилоятнинг бари оқиллари ва зарифлари бу гуруҳнинг аксарлари тоғлиқ ва саҳродан келган *оломон*, чўлу биёбонлик эканларини билдилар. Фаросат билан тушундиларки, ғавғо ва исён суви бу бераво тоғлиқ гуруҳидан бу вилоят киштзори ариқларига бесарупо оқиб, фитна ва фасод ҳосилини беради. Вилоятнинг барча тамошабинлари // 83^a бир-бирларига ишорат тариқасида “Бу қандай қилиқ ва иш эдики, Маллахон қилди?! Ваҳший одамлар, биёбонлик ва бадавий, саҳродан келган ношудларни салтанат гилами устида қабул қилиб, аморат даргоҳининг тўридан уларга жой берди, муҳолифат дарёси тошиб кетди, олам исёнга ғарқ бўлди. Шоҳлик муҳрини ҳавога совурди, чунки буларнинг вужудлари энг қабиҳ феъл-атвор, энг гумроҳ ва ноқобил хислатдан ясалган. Салтанат матоҳининг ипини энг нозик ва ингичка адаб толасидан тўқиганлар. Қўрқамизки, энди улар ўзларининг кўрс ва дағалликлари билан бу латиф ва нозик толани узиб, нолойиқ расму русумни дағал таъбларидан тўқийдилар ва ўзларининг нописанд ишлари билан султонлик муомаласини назарга илмай тожу тахт соҳибига қаршилиқ қилиб, итоат қилмайдилар”.

Бу мулкнинг барча доно ва оқиллари воқеалар дарёсида ғарқ бўлиб, охири қазову қадарга таслим бошларини эгиб, булар барчаси Аллоҳ таоло иродаси эканини билдилар. Шу бобда гўзал маънолар жавоҳиротининг маҳзани ва таъби асил гавҳаристонининг денгизи Мирзо Абдулқодир Бедил энг зариф иборат ва энг латиф ишорат билан жавоҳирдан тўла девонида келтирадики,

Байт:

Шиква аз тақдир натвон дастгоҳи куфр кард,
Қобили чизе, ки ман будам ҳамонам кардаанд.

(Мазмуни:

Тақдирдан шикоят қилинмас, билгинки куфр,
Нимага лойиқ бўлсам ўшандай қилди мани).

Оқибат Маллахон дорул-аморат бўлмиш Хўқандда салтанат тахтига қарор топиб, хоқонлик ҳукуматини ишғол этди. Бир минг икки юз етмиш бешинчи йили, от йилида султонлик тахти ва хоқонлик манзилига ўтирди. Охирги шоҳларга ибрат бўлсин, деб ул олижанобни тахтга чиқиш таърихини назм тариқасида назм ва китобат ипига тортиб, ёзилди.

Назм:

Пирасоле, ки дар либоси арус,
Ҳамаро мефиребад ў бо фусус.
Ҳар замоне гузида сад домод,
Духтари солхўрдаи бе номус.
Ки кунад қобил аз бар дур,
Ки ба ноқобил ў карда жулус.
Қобилон гар ба ақди худ гиранд,
Накунанд дар бағал, наоранд бўс.
Гарчи ораста бо зевару зар,
Нахарад он, ки оқил аст ба фулус,
Он, ки зи ғарра бар жулуси ў,
Ба умиде, ки шуд варо побўс,
Оқибат ў кард каманди соҳиб,
Гурехтан варо шуд побўс.
Навбати даври Маллахон, ки расид,
Пири фартут зад ба номаш кўс.
Давр омад ба ў талаб ин кард,
Ки надонист, ки мешавад маюс.
Ў надониста ақд бар худ баст,
Баъди се сол радди ин солус.
Мисли пешиниён ба қасди худ,
Чу дароварда пирасол арус.
Тож бар сари мақр, ба тахти шаҳи,
Карда он дар замон ба вақти нуҳус.

Эй Муқимий, замони мушаххаси жулус,
//83^б Ту таърихи сол кун малбус.
Аз хирад жустам ў чунин бар ман,
Чизе доду хўрда ў афсус,
“Маллахон соли асп зин карда”,
Таку пў карда шуд қарини “жулус”.

Мусаффо кўнгилли ва маъно билгувчиларнинг замирига возеҳ ва маълум бўлсинким, иккинчи мисрадаги “жулус” сўзини биринчи мисранинг сон ифодаларига қўшсалар таърих ҳосил бўлади. Сана 1275/1858-59 йил.

Маллахон ҳукмронлиги даврида содир бўлган воқеалар қуйидагича. Тахтга ўтириш куни султонлик давлати дарвозаларини ҳар бир кас во нокасга очди ва ҳукмронлик ипини ҳар бир ўғри ва нотўғрига бериб, ўз қароргоҳига уларни олиб кириб, ўзига ҳаммажлис қилди, султонлик сир-асрорига уларни *махрам* этиб, алавийзодалар каби ардоқлади. Бадавий ўғрилар ва сахролик йўлтўсарларга садрлик тўшаги ва амирлик гиламидан жой берди. Султонлик вазирлиги ва хоқонлик ишларини уларга бериб, барчаларини хушнуд қилди. Олдинги саройда бўлган мулозимлар ва тажрибали *надим*ларни салтанат мажлисидан ва иззату ҳурмат маҳфилидан четлатди. Султонлик посбонлиги ва хоқонликни қўриқлаш ишларидан беҳабар ва ғофил қолди. Жаҳондорлик расму русуми ва иззат-икром қодаларини бекор қилиб, шаҳаншоҳлик вужуди латифини қўриқлаш ва ҳарами шарифини сақлашда бепарво ва дангасалик қилди. Ҳар жойу ножойда, ҳар макон ва манзилда кўниб, ухлайверарди. Бироқ, ғайрат ва шижоат, қаҳру ғазаб унда кўп эди, сиёсати ўткир ва андак гуноҳ билан ҳам ўлдиришга ҳукм қиларди. Омилларни ишлатиш ва мулозимларга буюришда, барча кўлоштидагилар ва аскарларга қаттиқ муомала қилар, энг аччиқ сўзларни айтарди.

Маллахон ўзининг дорул-мулк бўлмиш Хўқандда салтанат ва мулк бошқаруви, ҳукмронлик ишлари, жаҳондорлик муомаласини ўша биёбонлик қавмга бериб, султонлик мажлиси ва ўтириб-туришини, шаҳаншоҳлик кириб-чиқишини бир гуруҳ *оломон*га бердики, лочиндек курсида ўтирган хон атрофини ваҳший зоғлар каби гир айлана ўраб олиб, каргас каби султонлик тахти ва хоқонлик курсиси атрофида қанот қоқиб учардилар. Уларнинг ҳар бири ўзини фасоҳат овозли булбул, денгиз устидаги лочин деб биларди. Ўзларини султонлик мажлисига лойиқ деб англандиларки, “ас-суҳбату моъсирун” (ҳамсуҳбатлик қаҳрамонлик) дегани бунга далилдир. Андак фурсатда кудурат маъноли суҳбатлар ва касофат келтирадиган феъллари султон табиати ва хоқонлик замирига таъсир қилиб, унинг атворини ўзгартирди, // 84^а ёмонликка мубаддал этди.

Ўлтабиатли ва девсийратли кишиларни султонлик лавозимлари ва ҳукмронлик амалларига маъмур этди. Бу иш билмаган нобакорлар султонлик ишлари ҳукмронлик муомаласида кўпол тиллари билан адолат истаб келган дилафкорларнинг мажруҳ қалбларига зарба берардилар.

Бу кўпол муомалаларнинг хабари ва бу киши кўрмаган расму русумнинг овозаси барча вилоятларга етиб бора бошлади.

Ўшал замонда Тошканд ҳукумати фалакменгзар даргоҳ остонасини ўпганлардан бири бўлган Қаноатшоҳга таалуқ эди ва у урусиянинг Учалматини тобе ерлари билан, Тўқмоқ қалъаси ва Аштакни ён-атрофи билан босиб олиш хабарини Маллахонга етказди. Маллахон ўз *саркардаларини* давлат арконлари билан йиғиб, уларнинг маслаҳатлари билан ўша вақтда Андижон волийси бўлган Олимбек³¹³⁷ деган бир қирғизни Андижон катталаридан Ҳомидхўжа *мирзобоши*, Тўрахўжа эшон, Гўзал *додхоҳ воли понсад* ва шунга ўхшаш улуғлар билан Қуртқа³¹³⁸ йўли орқали юборди. Яна бошқа етти *понсадбошини* дорус-салтанат, Қурама ва Тошканд ҳамда музофотларининг кўшини билан бирга сафарбар этди. Хўқанд кўшини дорул-аморатдан чиқиб, Қурама лашкари билан Тошкандга кирдилар ва у ерда икки-уч кун қолиб, Қаноатшоҳ Тошкандда кўшинини жам қилганидан кейин ғазот мақсади билан Пишпак тарафига юриш бошладилар. Суръат билан йўл босиб улар Чимкентга кирдилар ва бу ерда икки кун қолиб, учинчи куни чиқиб, олти кун деганда Авлиёотага келиб кирдилар. Олти кун бу ерда истиқомат қилгач, айру билан ором топдилар. Шундан кейин бу ердан кўчиб икки кунда Чу суви лабига келиб тушдилар. Эртаси етти минг одамни Шодмонхўжа³¹³⁹ га қўшиб, уни олдинга юриб, Аштак ва Уч алмати ўртасидаги Бекит деган жойда турмакни буюрдилар. Қолган лашкар

³¹³⁷ Олимбек додхоҳ – 1862 йили май ойи ўрталарида ўлдирилган. Ҳасанбий ибн Шоҳмирзонинг ўғли. Олой қирғизларидан барғи ёки мундуз уруғидан. Қирғизларнинг манкуш уруғидан бўлган Қурбонжон додхоҳнинг эри. Маллабекнинг қотилларидан бири.

³¹³⁸ Қуртқа/Куртқа – Норинда 1823 йили қурилган Қўқоннинг истеҳкоми.

³¹³⁹ Шодмонхўжа парвоначи, мингбоши – (1798–1863). Қўқон давлатининг ҳарбий ва сиёсий арбоби. Маҳрамбоши (1844), додхоҳ (1848), Тошкент (1853) ва Хўжанд (1856–1857) ҳокими, мингбоши (1857–1858), Балиқчи ҳокими (1858–1860). 1862–1863 йилларида Худоёрхон мингбошиси. Тошкент (1863) ҳокими. Алиқули фармони билан ўлдирилган.

Шодмонхўжа орқасидан равона бўлишиб, беш кунда йўлни босиб, бир тоғ этагида келиб кўндилар. Уч кун шу ерда истиқомат қилганларидан сўнг Олимбек қирғиз ўн икки минг Андижон, Қуртқа, Кетмон тепа ва бошқа қирғизия билан //85^б шу мавзенинг тоғлари орқали келиб кўшинга кўшилди. Шу вақт Шодмонхўжадан урусия билан муқобил келиб, жангга киришгани ҳақида хабар келди. Бу хабарни эшитган замон бу ердан кўчиб, тез суръат билан йўл босиб, чошт вақти Аштак ва Учалмати ўртасидаги рус кўшини турган Бекит деган мавзегга етиб келишди. Ислон лашкари русия лашкарини ўраб олгач, сафларини ростлади. Шу пайтда Андижон ҳокими Олимбек қирғиз ва Қаноатшоҳ тожик бир-бирлари билан лашкарга сардорлик учун талаш, мухосимат ва муҳолифатни бошлашди. Олимбек Андижон ва қирғизия лашкарини олиб бир тарафга ўзини олди. У жанг лавозимоти ва номусу нанг ишини Қаноат зиммасига ташлаб, беномуслик этагини ушлаб, номусу нанг ва мардлик этагини кўлдан бериб юборди. Дорул-аморат (Хўқанд), Тошканд ва Қурама кўшини бирдан такбир айтиб, самандардек ўт, дору ва нефтга ўзларини урдилар. Шу ҳангомда Ҳомидхўжаким, ўша вақтда ҳақиқий мард, ҳарифи тавоно, зарифи зурафолардан бири эди, нусрат туғи ва зафар байроғи остида туриб, такбир дея “мушрикларни ўлдиригиз”³¹⁴⁰ деган оятни ўқиб, ислон аҳлини жангга тарғиб қиларди ва аҳли ислон учун ғалаба сўраб, “Илоҳим дин нусратидан нусрат бергин”, деб дуо қиларди. Ислон лашкари кофирларнинг тўпу тўфанг ўқи оташига ўзини урганда, насоро лашкарининг аҳли тўпу тўфангларидан ўқ ва нафтни осмондан ёмғир ёғгани каби ислон лашкари бошига отарди. Бу шовқин-сурон қиёмат аломатидан хабар берарди. Тўпу тўфанг отишмасининг кўплигидан “Сур(най) чалган (қиёмат куни)”³¹⁴¹ ишорати кўринар эди. Аксар пурдил диловарлар ва зўрфил йигитлар олов чангалига ўзларини урдилар ва самандардек оташ кўрасидаги майдонда олишув коптогини ютиб, шаҳидлик шарбатини даврон соқийси кўлидан олиб, бадкорларнинг тиру камонлари зарби орқали ичардилар. Баъзи жонбоз ботирлар ва шаҳбоз диловарлар қонхўр тиғлари ва панжалари билан касофат кофирлар бошларини тоғ эчкилари бошларини кесгандек ёки чўлда ўсган ўтни илдизидан юлиб ташлагандек олиб ташлардилар.

Назм:

Дар он рўзи пурхайбат аз жангу жўш,
 Дар афтод афлокиён дар хурўш.
 Зи жўши камонҳо ҳаво даргирифт,
 Шуда сахни сахро ҳама дудпўш.
 //85^а Яке аз далире дар он базми разм,
 Майе аз шаҳодат ҳамекард нўш.
 Яке тиғ бар фарқи кофар зади,
 Гузар карди аз фарқи ў то ба дўш.
 Яке тир то бар синаи кофаре,
 Зади мешунид зи дўзах суруш.
 Замоне тир ба камону гурзи зади,
 Ба бозуйи зўр овари жангу жўш.
 Набуди дар он жо чунин жангу тир,
 Ба як тир сад дев гардад хамўш.
 Агар Соми зол ва Рустами паҳлавон,
 Бикарданд дар даври худҳо хурўш.
 Бидиданди онҳо чунин жанги тўп,
 Зирех бар кушода, шуди далқпўш.
 Агар амин ва солор Баҳман буди,
 Бидиди чунин жанг рафти зи ҳуш.
 Ба бози кужо ба тиру тўпу тўфанг,
 Бидиданд онҳо, ки нашнида гўш.

Алқисса, бир соатгача ғолибона уруш қилдилар. Охирул-амр тўпу тўфанг ўқларининг ёмғирдек ёғишидан, рангли мушак ва отишмаларнинг тутунидан қозоқия, элотия ва авбошия жамоаси тоқат қилмай майдондан юз ўгириб қочиб, тоғларда яшириниб, ғорларга кириб олдилар. Лекин сартия ва тожиқия лашкари рус лашкарини қочмай чошт вақтидан пешин вақтигача отишиб, жанг қилдилар. Оқибат насоро лашкари қорақўндок милтиқлар ва аждарсимон тўфангларга қарши жангда ожиз қолиб, бир тоғнинг адирларига ўзларини олдилар. У ерда ҳам ноором ва беқарор бўлиб, қочишни

³¹⁴⁰ Қуръони карим, 9:5.

³¹⁴¹ Қуръони карим, 22:101.

ихтиёр қилдилар. Аҳли ислоннинг аксар қўшини Қаноатшоҳ билан бирга қайтиб келиб, жанггоҳдан икки тош нарироқда қўш урдилар. Қолган қўшин насоро лашкарини қувиб аср намози вақтигача уларни ўқ остига олдилар. Уларни Аштак қалъаси олдиғача қувиб бориб, қайтиб келдилар. Кечаси ярим тунда Қаноатшоҳга келиб қўшилдилар.

Назм:

Бувад лозим аз шах, ки дар рўзи жанг,
Бигирад ба дасташ домани ному нанг.
Дар он рўз аз салтанат бигзарад,
Занад пойи марди ба майдон мард.
Ситонад туро рў дар он маърака,
Дихад қимати жонро дар он ҳарбгаҳ.
Ба гуфтор шоҳони ширин забон,
Надонанд дар он рўз талхаи жон.
Агар шоҳ ба лутф дар ҳарбгоҳ,
Набошад хуш аз сад ҳазорон сипоҳ.
Калиди зафар шоҳро // 86^б бахшиш аст,
Бувад фатҳ бахшишро зи қўшиш аст.

Ўша кечаси Уч алмати, Аштак ва уларнинг атрофида бўлган қозоқия аҳолисини лашкарга буюриб, Пишпак, Мерки қалъаси ва Авлиё ота тарафига кўчириб ўтказдилар. Кейин бу ердан кўчиб тўрт кун йўл босиб Пишпак ичига кирдилар. Бу қалъада истиқомат қилиб, уни қайтадан таъмирлаб мустаҳкам қилдилар. Кейин дорул-аморат *саркардаларига* кетишлари учун рухсат беришди. Қаноатшоҳ эса Тошканд лашкари билан шу ерда қолиб бу ҳудуд ишларини саранжом ва саришта қилиш учун қолишни ўзига лозим деб билиб бир ой шу ерда муқим бўлди. Андижон ва унга тобе ерларнинг қўшинини ҳам кетишига ижозат берди.

Дорул-аморат лашкари қайтаётганида Маллахонни айни Ўратепа устидан манғития лашкари билан уруш қилиб қайтаётган пайти Хўжандда учрашиб, унга хизматкорлик мулозиматини ва фармонбардорлик таъзимини бажо келтирдилар.

Бу банда Уч Алмати ғазоти ҳақида таърихини назм тариқасида бердим:

Дар дашти ноумиди обилапо шудем,
Чашмон пури ашк худ зи ёрон жудо шудем.
Дар вақти пири шастсолаги чи рўзҳо,
Бар сар фитод кулфату ба Ҳақ ризо шудем.
Мо ожизони водии меҳнату бе каси,
Дар панжаи паланги барудат ду то шудем.
Он аждаҳои биёбони давлати само ва арз,
Аз шиддати самуми ҳавояш ду то шудем.
Маъмури шаръ шуда мўмин ба мо ятоқ,
Дар фасли дай ба хайратам маъмур чаро шудем.
Дар асри Маллахони ғаюр мунҳарифи мазоҳ,
Роҳи тавил ба саҳт сафар мубтало шудем.
Он Калли Қаноате, ки амири лашкар аст,
Аз шўхии касофаташ ҳама гадо шудем.
Кардем қатъи роҳ пиёда ба ҳафтод санг,
Дар ҳар қадам мулоқии дарду бало шудем.
Яксола муддати сафар ва якмоҳа роҳ,
Аз тарси зулм ҳама рози ба як тало шудем.
Таърихи ин ғазо ба ман чунин гуфт ақл,
Дони ту инчунин ба “савор ғазо” шудем

Фасоҳатли кишиларнинг мунаввар ва гавҳар қалбларига, маъноларни идрок этувчи хуршид назар кишиларга маълум ва равшан бўлсинким, ғазотга чиқиш пайтида одамлар “йўл бўлсин” дея сўрасалар уларнинг саволларига “савори ғазо” (ғазотга шайландик) деб жавоб берилади. Қарасак “савори ғазо” ибораси шу сафарнинг таърихи бўлиб чиқди. Шунинг учун назм ипиға тортилиб, ибрат тариқасида бу варақда келтирилди. Сана 1277/1860-61 таърихдир.

Маллахонни тахтга чиққанидан уч йил кейин Ўратепа устига юриш қилгани ва Туркистон сафари воқеаларини “Ҳажви Абдусаид” деган бир Қашғарий // 86^а ким, Андижонда эди (бағишлаб) бу сафар воқеаларини туркий маснавий шаклида бердим. **Назм:**

Маллахон қўшин ила қилди сафар,

Ўратепа сарига қилди гузар.
Лашкарни андин буюрди хони замон,
Бу ила амр этди бизни лутф ила хон.
Авлиё шоҳи ҳазрати Султон,
Ғавси қутби ҳама Қозоқистон.
Демай ёлғуз қозоқ дашти элини,
Бал эрур бу юзини барчасини.
Хўжа Аҳмадга эди арш гузин,
Маърифати мулк, шоҳи фарш нишин.
Офтоби сипехри Туркистон,
Нуридин тўлуб шаҳру чўлистон.
Ҳодии роҳи жумла атрок,
Бир назар солса қутб эди бебок.
Йўл топиб анда борса ҳар гумроҳ,
Қалбга жори эрди илоллоҳ.
Ул вилоят элини сарварини,
Қутб ал-ақтоби турк кишварини.
Эшикин сақламоқ учун бизни,
Балки тожик эли баримизни.
Авайла амр этди хони Фарғона,
Лутф этиб барчамизга шоҳона.
Деди боруб баччалар анинг сақланг,
Келса кофир туруб уруш бошланг.
Хон амрин қабул қилиб юрдук,
Барчамиз шул замон туруб жунадук.
Туғ байроқ ила юруш қилдук.
Йўл юруб саръат ила чўл кездук.
Йўлни ки суръат ила қатъ этдук,
Чимкат сариға келиб тушдук.
Лашкарни неча ранжур ўғлонларни,
Оти аруғ чарчагонларни.
Яхшилар Чимкатга қўюб кетди,
Марҳамат бирла онларга лутф этди.
Баъзи мусофир, ки нечанд киши эрди,
Хони Хўқандга варзиши эрди.
Бор эди Андижонда бир бадбахт,
Оти Абдусаид ул, баски дил сахт.
Този итдек баднафс ва суқ,
Даҳр ичида бу янглиғ хирс йўқ.
Бадмаош эрди ул хасиси бахил,
То анда жойидур ани дўзах бил.
Баччағар занталоқ ул дағи,
Чўл ичинда бор эди боғи.
Боғи йўқким дарахтлари тўқай,
Ул тўқай ичра ўзи хирси Олай.
Ит чичгон данглар солиб ухлаб,
Йиқилиб ётса оғзини ит ялаб.
Кечалар ингратиб ётиб итдек.
Уйлаким Шамр ва қавми Язиддек.
Ким ани одам деб ҳавлисига тушти,
Хом экан ани кўруб пишти.
Ул лаиму мурдани ғайри занғарлик,
Қилмағай меҳмон ҳеч кимга одамлик.
Ани ҳавлисига ҳар ким кирди,
Девлар жойи эканин билди.
Ҳар ким анда // 86^б боруб турди,

На таом на ош зиёсини кўрди.
Уйида атоладин бошқа пишурмас экан,
Ёки умошдин бошқа бўқни ичмас экан.
Учоғида ўт ёнган эмас,
Мўрисидин тутуни чиққон эмас.
Сут(д)хури хасис насрони,
Чиқса гар бир пули чиқар жони.
Урус табиат, башараси қалмоқ,
Кофару чурчут ила манжу сиёқ.
Кирмаган бит макон эрди нокас,
Бермаган элга заррача хас.
Фитнасозу лўлии ноинсоф,
Ҳамма иши макру васвосу лоф.
Уч оғоз(с)ига қилурди тухмат,
Чунки, эрди махови бе ҳиммат.
Ҳаммаға маълум эди отосин ҳоли,
Қутуртуруб муни волии замони.
Отабек эди манжуларни очроқи,
Ўзинг эдинг қасамхўри шаллоқи,
Умри ўтти волини табоқин ялаб,
Ўли беҳуш, баччағар, зан жалаб.
Жабҳасида тирноқдак шарм йўқдур,
Бу итни ҳарому ҳаришга қорни тўқдур.
Сўзум бу ул саги суякка,
Ғайрат бирла қаросун бу хатга.
Бу вақтда тарзе одам бўлмиш,
Минг лаънат ўшал эшакка.
Гўристон шотусидек букулган,
Ранги ўхшар эди эски тапакка,
Халқ ани тарҳин ўхшатурлар,
Юзини тувак, оғзини чалакка.
Ўзи далаға кетур хотунлари ҳам,
Берур амни арзон бир ҳандалакка.
Жоиз эрур чун солиб отмоқ,
Ул итни бу вақтда занбаракка.
Сел сифат ариққина баччағарни,
Аҳволи аён бўлур кўзакка.
Умри ўтти волини ҳовлисида,
Кеча кундуз сув ботиб занбар бирла куракка.
Кеча кундуз юрар ўлумтук истаб,
Кўп эди шуғли ...емакка.
Эй сомии аҳли ақлу зарофат,
Йўқ тоқатим мундин зиёд сўз демакка.
Андижон шаҳри шаҳри хуб экан,
Одамизодаи хўжа кўп экан.
Нечалар ул гуруҳи саодатманд,
Одамизодаю барча давлатманд.
Кунда ҳар қайси биравни ҳурмат ила,
Элтар эрди уйиға шафқат ила.
Кўнгиллари топиб зиёфатлар,
Қилурлар қавми бо саодатлар.
Биз учун *надими* суҳбат баччалар,
Қилур эрди ҳар кундузу кечалар.
Бизларни кўруб мурувватини,
Ҳиммату шафқат ва футувватини.
Кўрубон офарин деб ҳусн ила,
Кўб дуолар қилиб дилу тан ила.

Пурсупос эрурмиз бад кеш,
Бадга ҳар дам эрур тазаллуми иш,
Золим аҳлиға мунча шафқатни,
Кўруб яна мунча ҳурматни.
Дедилар бизға фозил эркансиз,
//87^a Яхшилар суҳбатин кўрган экансиз.
Биз ҳануз сизни барчаға тенгсиз,
Қилмодук анча билмай ҳурматингиз.
Баъзилар кўнглумизни сайд этди,
Риштаи хулқ бизни қайд этди.
Қилмоғил сан уларни ёлғончи,
Рост йўлдур керак сенга ончи.
Эмди сан ҳарзалиқ йўлни унут,
Ростлиқ йўлни сидқ бирлан тут.
Яхши деб қилурлар сани ҳурмат,
Нафси саркашни эмди бер кулфат.
Сўзни қил мухтасар дуо бирлан,
Ростлиқ етар илтижо бирлан.
Хушлошиб бизлар билан йўлға,
Тушдилар ул дам канорасиз чўлға.
Йўл юруб етди ул кун,
Турк шаҳриға тўрт кун.
Сурдилар молларин шафқат ила,
Кўргузуб раҳматни ҳурмат била.
Тоҷик аҳлини Понсад ҳожи,
Найзадорларни аввали сартожи.
Шоҳ ...лиғда найза уруб,
Душман аҳлини росту чапга суруб.
Пайрави тоҷик аҳли бўлғон эмди,
Хиргаҳу дастгоҳ кўрғон эмди.
Қўймасдин бизни ўзига қилди жалис,
Кеча кундуз қилиб ўзига анис.
Юзлатиб ўртаси аморат учун,
Хирқа гунбаз шарофат учун.
Равзаи Хўжа Ҳазрати Султон,
Бордилар кўзлари бўлуб гирён.
Фалаки маърифат хуршиди дин,
Гумбази осмони аҳли яқин.
Чархдек айлатиб бошларин урди,
Хоки даргоҳиға кўзларин сурди.
Остонин кўчуб тасриъ ила,
Соҳибларин тилаб тахашшуъ ила.
Салтанат авжи сапехрини,
Давлат афлокин муниримни.
Ким мусофир эди Бухорода,
Мулки Хўқандга эрди шахзода.
Сўрадилар давлатин Субҳондан,
Етуб имдод руҳи Султондан.
Берди ул дамда анга воқеа рў,
Мақсад рангини матои бўлди руфў.
Ҳар кимдаким, бор эрди кўнгулда тилак,
Алар очиб тилардилар қўл ила пилак.
Алар боруб қўшин ичра қўшулди,
Саккиз ой ул ерда муътакиф ўлунди.
Янги қўрғонни олди деб урус,
Хабарин уларға еткориб жосус.

Деди ҳозир бўлунг кеча ётмай,
Десангиз агар мулкни сақлай.
Ким ба ногоҳ агар келиб кечаси,
Куфр аҳли қалъа олғони нечаси,
Суръат ила ўтуб Қаноатга,
Еткуруб бу хабарни у касофатга.
Бу хабарни Қаноат арза бирлан,
Еткузуб боргоҳға таъкид илан.
Хон буюрди Киравчи қўшинини,
Санчикли элотин жумласини.
Бўлди мору мўр санчикли, қурама,
//87^б Ул қўшулди боруб Қаноатға.
Тошканд волиси Қаноатшоҳ,
Йўл юруб суръат ила хоҳу ноҳоҳ.
Келиб ул тушти ҳазрати Султон,
Дашти қипчоқ элин қилиб *оломон*.
Истиқомат қилиб беш олти кун,
Барча қўшинға берди ҳақ ила олтун.
Янги қўрғонни илғари ул кун,
Етди кўчмасдин илғари қўшин.
Бандаларға Қаноат айлаб раҳм,
Лутф этиб берди тўн ила дирҳам.
Сўрдилар бандиларни аҳволини,
Урус аҳлини қилғон атворини.
Деди куфр аҳли ҳолимизни кўруб,
Берди рухсат кетдилар эрта туруб.
Ихтиёр ўзимизға деди қўюб,
Хоҳ турунг, хоҳ кетинг пиёда юруб.
Бу ила рухсатни берди олди яроқ,
Бўлдук ул дамда турмойин кетмоқ.
Бизга урус берди рухсатни,
Муғтанам билдук анда марҳаматни.
Жўнадук турмойин нафас олмай,
Юрудук йўлда бир нафас турмай.
Бандилар сўзини Қаноатшоҳ,
Англади ҳам эшитди барча сипоҳ.
Чикди анжомини қилиб қўшин,
Илғар айлаб юруб туну кун.
Янги қўрғон боруб нузул этди,
Кўрди қўрғонни ва ҳуши кетди.
Қўюб келган эди рус анга,
Қўймайин элини мусофир анга.
Жониға ўт қўшуб Қаноатни,
Насоро элин чопарга қасд этди.
Элин чопмоқға ўтти дарёдин,
Ончи олди сипоҳи дилхоҳин.
Ончи қўшин, ки қолди йўлида,
Ўтмайин сувни аввалги йўл буйида.
Амр этиб сувдин ўтса маконларини,
Сув буйида қолғон сипоҳларини.
Бу ила ул дам Қаноат амр этди,
Сизлар Жўлакни қаманг деди кетди.
Бул қўшин мунда турмай жўнади,
Йўлда бир кеча боқи тунади.
Ул қўшин суръат ила тун қотти,
Боруб эл устиға бесабаб ётти.
Бул қўшин Жўлак устиға боруб,

Йўл юруб суръат ила тун қотиб.
Ул қўшин бориб Оқмасжид элини,
Олди вақтиси бир неча бони.
Бул қўшин ҳам босиб Жўлакни қучаб,
Бир куни турди анда қайта жўнаб.
Ул қўшин келди сувни ул юзига,
Бул қўшин тушди сувни йўл юзига.
Тўш ба тўш туштилар сувни лабиға,
Сўнгра ўтти қўшилди бир-бириға.
Жойиким, бир қўнуш эрди Жўлак,
Мавзеи эрди они оти Тувак.
Айланиб ўтган эрди Сирни бўйи,
Қўрғонға муносиб эрди ери.
//88^a Қўрғонни анда тарҳини солди,
Солди қўрғонни андин от қолди.
То ки ул қўрғон тугаллагунча,
Ишлади барча қўшин ўлгунча.
Бир фақир ҳам анда бор эрди,
Халқдек ул ҳам иш қилур эрди.
Бир кеча ётиб анда туш кўрди,
Тушни ул кеча бул равиш кўрди:
Ҳавли эрди сахни супурутғон,
Икки уй анда эрди бир айвон.
Икки уй бир-бирига қарағон,
Лек айвон жанубга қарағон.
Сахни ҳавлида бир неча уламо,
Ўлтуруб анда саллалиғ фузало.
Фақир ул айвонни қибла кунжида,
Шарқий уйга қарор эрди анда.
Шарқий уйдин чиқиб яна бир меҳр,
Солди оламға нур партав чехр.
Қади озоди нахли тубидек,
Балки йўқ бир сарв десам, ки чўбидек.
Юзидин меҳр кўп нур этди,
Фарқи афлокда зухур этди.
Сарви озоди кундин озод,
Балки қудрат қўли ясаб шамшод.
Нуридин меҳр бўлдики музтар,
Чиқса хуршид йўқ бўлур ахтар.
Уламоға қараб фасоҳат ила,
Жони ширин каби балоғат ила.
Оғзини дуржидин сочиб гавҳар,
Қўл ишороти ила ул раҳбар.
Деди, эй барча сиз, ки ўлтурғон,
Печу тоб ила саллани ўрағон.
Барча излаб топиб бўлак раҳбар,
Қилсангиз ўзларингизға паямбар.
Дедилар тўрт мартаба шу ила,
Мажлис аҳлиға сўзи деб бу ила.
Ул фақир айвонни қибла буржида,
Тутуб ул дурни жон қулоғида.
Шахсе ул дамда ўртадин пайдо,
Бўлди анга дедики, марди Худо.
Шафқат ила манга тараҳхум этинг,
Бу фақирга ҳазратларингни маълум этинг.
Деди ул бўйла эй марди огоҳдил,

Мардаки содалавҳ ғофил бил.
Ул шаҳе дурки, хайма ва хиргоҳ,
Қурди афлокға қилди манзилгоҳ.
Бал нубувват бурчини моҳи,
Ҳам рисолат мулкини шоҳи.
Анга аввал ло илоҳа илоллоҳ,
Дейдургон Муҳаммад расулуллоҳ.
Икки оламини офтоби деб бил,
Васфини қилғони манга қани тил.
Англади бу сўзни кетди ўзидан,
Балки ўзи демай кетди ҳушидан.
Уйғониб ул бу тушни ҳайбатидан,
Тушдаги кетган ҳушу калимасидан.
Анга юзланди бир ажиб ҳолат,
Дилни саҳросини тутуб баҳайбат.
Ким бу сўзлашни билмас эди,
Атайин деса айтолмас эди.
Деди охир тушни асрорини,
Аввал бировга ёшурмойин борини.
//88^б Етди бу тушдан хабар Қаноатга,
Айтиб англагги жойи хилватга.
Деди анга бу тушни ким кўрди,
Кўрган одам нечук дебон сўрди.
Ул фақридан сифат қилиб бе ҳад,
Тушти кўргон Ниёзмуҳаммад.
Еткузуб ул фақирдан анга хабар,
Ҳар на сўз анга деди қилди асар.
Истаб ани қилди ул тасдиқ,
Ҳам жулус айлаб анга эрди рафиқ.
Бир-бирига қарашти тортиб оҳ,
Аҳли мажлис бирлан Қаноатшоҳ.
Дедилар кетди давлати ислом,
Барча ислом элидин ҳурмати ом.
Амали шаръ халқидан кетди,
Адлу инсоф шоҳдин етди.
Уламо илмиға амал қилмай,
Тинмади умароға йиқилмай.
Фатво йўлини шоҳға демади,
Шоҳким ҳар на деди ани демади.
Ҳукм бидъатга қилдилар уламо,
Қилдилар ишига қилмаған хулафо.
Зулму бидъатни қилдилар жори,
Не балолар бўлуриға бўлди тори.
Ул сиёсатки, қилди пайғамбар,
Уламоларға эрдилар раҳбар.
Эмди соф бўлди бизга қолмади иш,
Қолди зулмат ичра ҳамма ёзу қиш.
Буйла деди ўрнидан турди,
Отлашиб кўрғон сари бурди,
Келди кўрғонға ишлар эди сипоҳ,
Ул ҳам ишлар эди ба ҳоли табоҳ.
Келди ишчи ичинда кўрди ани,
Шафқат ва лутф бирла сурди ғани.
Қилмайин ани сур келмайин манзур,
Ўз иши бирлан ул эди мақдур.
Дедилар анга барча хосу ом,
Боринг олдиға беради инъом.

Бўлди элни сўзи анга қабул,
Сўрмади андан ул тушти ҳам ул.
Оқибатким тўгалди ул кўрғон,
Хондин улар учун етиб фармон.
Шу ила фармонни еткуруб *махрам*.
Тез жўнатсун сани сипоҳини ҳам.
Жўнади анда турмайин бир дам,
От югуртуруб юрар эрди ҳар дам,
Кеча кундуз юрур эди тинмай,
Фурсате тинмайин ўлуб ётмай.
Неча кун суръат ила йўл юрди,
Тошканд шаҳриға келиб кирди.
Қабалди деб аларға андуҳ келди хабар,
Маллахон Тошкандға азми сафар.
Қилди жазм бирлан сафарни Хўқанддан,
Келгуси Маллахон Хўжанд бирлан.
Илғар аҳли эшитти бу ила хабар,
Жўнади йўлға тушти вақти саҳар.
Уч кун суръат ила йўлни юруб,
Олдилар ором сув лабиға кўнуб.
Бир дарё лабиға қолди кўшин,
Эртаси бўлди рухсат “ўтсун”.
Қилдилар таъзим ила хонни дуо,
//89^a Бўлсун ҳар ишда ёр сизга Худо,
Ўтдилар суръат ила дарёдин,
Барча умид этиб Сирдарёдин.
Кўрди раво рухсатни илғарга,
Берди тўн ила пул сипоҳларга.
Хон ўтуб йўлга тушти дарёдин,
Ким кезиб йўлни дашту сахродин.
Қолдилар бир кеча ётиб илғар,
Ким Хўжанддин чиқиб юрурға вақти саҳар.
Йўл кезиб уч куни Хўқанд тушти,
Хом эди сафар қилиб пишти.
Мушкил иш йўқки бўлмаса осон,
Мард лозимки, бўлғай тарсон.
Келса бошиға ҳар на Ҳақдин кўр,
Сабр қилсанг ани қилур Ҳақ дур.
Ким санга эй Ниёзий, лозимдур,
Бул сафар таърихин сўр,
Буйла деб таърихин хирад тузди,
“Илғар аҳли аёғини узди” . Сана 1277/1860-61.

Маънони кашф этувчи нозуктабиат кишиларнинг қалбларига маълум бўлсинки, “пойи илғар аҳли” “йо” ҳарфидир уни таърих моддасидан олсалар таърих ҳосил бўлади.

Мазкур таърих моддасининг яна бир маъноси шулким, бу воқеадан сўнг тез орада насоро лашкари келиб Туркистонни босиб олди ва ислом лашкари илғор қисмининг оёғи Дашти қипчоқдан узилди. Бу сафарнинг иккинчи таърихини қуйидагича топилди:

Бул сафар таърихин истар ул,
Ақл дедиким, анга “илғар ул”.

Биринчи таърих асл таърихдир; иккинчиси эса эҳтиботий. Таърихи иккинчи шулдурким бе идхол ва бе исқот “илғар ул” таърих моддасидир.

Маллахон Тошканддан қайтиб, дорул-аморатга кириб тушгандан кейин бир неча кун муддат ўтиб, тожик тўпи ва дасталарини Тошкандга илғор тариқасида юборди. Тожикия дастасининг чиқиб кетиши билан, баъзи кўрнамак хослар ва авбоши бебошлар, мисли Олимбек деган қирғизи мундуз,

Хидир исмли³¹⁴² бир ўғри қирғиз, Худойназар турк деган бир бенанг ва қари ланг, баъзи қипчоқлардан Ирисали Жулғонкул(?) ўғли, Дўст юз ва бошқалар бир-бирлари билан иттифоқ тузиб, Маллахонни йўқ қилиш маслаҳатини қилиб, уни ўлдиришга қарор қилдилар. Бир минг икки юз етмиш саккизинчи йили, муборак шаъбон ойининг йигирма тўртинчи куни³¹⁴³, душанба куни кечасида унга шаҳодат шарбатини ичтирдилар ва ул олийжанобнинг кумушдек вужудини қон билан гулгун қилдилар.

Маллахон (ҳалокати) таърихини бу зайлда топиб назм ипига тортилди:

Хирад гуфт агар таърихи он гар бидони,
Ба ман гўш кун то бигўям нишоне.
Назар бар шикан то шавад кашф,
Дар ин байти чаҳорум “ба қатли Маллахон”.

//89^b Махфий қолмасинким, “ба қатли Маллахон” таърих моддаси бўлиб келган.

Ўша вақтда Мулло Олимқули оқибатини андиша қилиб ва узоқни ўйлаб умаро ва фуқаро кўзи олдида бу ёмон андишали маслаҳат ва ёмон ниятли машваратдан ташқари эканини кўрсатмоқчи бўлиб, шу кеча ўз уйида ёпиниб ётди. Умиди шу эдики, аввал Маллахон ишини бу бесаранжомлар қўли билан анжомга етказди, кейин барча халойиқ олдида бу қабих маслаҳат ва ёвуз феълда иштироқи бўлмаганини тушунтириб, жамоат иттифоқи билан бу бадзотлар ишини бир томонлама ҳал қилади.

Назм:

Даҳони макри инсон гар лаб кушояд,
Кужо ҳарф аз лаби шайтон барояд.
Ба як тадбири инсон макри сад дев,
Шавад бар бод, ҳама аз по дарояд.
(Мазмуни:
Инсон макр учун оғиз очса гар,
Шайтон бир ҳарфга оғиз очолмас.
Одамнинг бир тадбири, юзта дев макрини,
Барбод берар, ҳамма йиқилур, оёқда турмас).

Оқибат, Маллахон шаҳид бўлганидан кейин ул палид қирғиз Маллахон жасади устида ишонч, хос яқин бўлиши ва садоқатини кўрсатмоқ учун айёрлик билан кўзёш тўкиб, ёлғондан надомат ноласини кўтариб, макр билан мусибат бошига тушганини кўрсата бошлади. Умаро, фузало ва фуқаро оммаси олдида ўзининг садоқат ва ихлосини кашф ва ошкор қила бошлади. Унинг ғарази шу эдики, Маллахони шаҳид қотилларини энг осон йўл ва энг яхши муомала билан халойиқ розилиги ва талабига биноан орадан кўтариб, ноҳинжор нокаслар ва ноҳамвор ағёрлар кудурати ва зангини дорул-аморат тўрининг ойинаси ва шоҳона даргоҳнинг кўзгусидан артиб ташлаб, ҳукумат ва аморат тахтига ўзи мустақил ва мустақим ўтирса.

Назм:

Лаби талбис инсон гар кушояд,
Ба шайтон роҳи бериҳи намояд.
Даҳони макр агар инсон кушояд,
Раҳи хомўши бо шайтон намояд.
Агар тухми ғараз дар дил бикорад,
Ба макр он хўша чандин сар барорад.
(Мазмуни:
Инсон иблисдек фитна бошласа агар,
Шайтонни ҳам у йўлдан оздирар.
Макрга оғиз очганда инсон,
Хомушлик одобин сақланар Шайтон.
Ғараз уруғин дилда экзами,
Макр билан бошоқлари беради самар).

Кеча ва кундуз у шу ишнинг андишаси ва маслаҳатини қилиб, мамлакат ҳукуматини қандай чора ва тадбирлар билан қўлга олиб, ўз тасарруфига олишни орзу қиларди. Охири Шералихоннинг набираси, Саримсоқхоннинг ўғли Шоҳмуродхонни ўн беш ёшида барчанинг иттифоқи билан аморат

³¹⁴² Хидир қирғиз додхоҳ 1862 й. 13 май ўлдирилган – қирғизларнинг ўттиз ўғул жамоасининг бошлиғи. Маллахон қатлида иштирок этган. Эшикоғаси, ҳидоячи, парвоначи унвонларни олиб, 1862 йили Марғинонда ҳоким бўлган. Шодмонхўжа ва Алиқули томонидан ўлдирилган.

³¹⁴³ Сана 1278 24 шаъбон – 1862 йили 24 феврал Маллахон ўлдирилган.

тахти ва волийлик тўшагига кўтарди ва унинг қоматини шаҳаншоҳлик либоси билан, бошини шоҳлик кулоҳи билан безатди. Олдинги хонларнинг дастури ва хоқонларнинг расмига (қарши) мустақил давлат бўлмиш дорул-аморат даргоҳида ўзларича тартиб ва низом барпо қилди. Шоҳ кўруниши ва сипоҳнинг // 90^а қабулидан сўнг, ўтириб-туриш, ҳукмдорни кўриқлаш, мулк бошқаруви ва даргоҳ муҳофазасини ўзларича ташкил қилиб, салтанат дастгоҳини бир тартибсизлик билан барпо қилдилар.

Амирлик тахтига ўша куни Шоҳмуродхонни кўтарганлари таърихини мана шундай топиб, назм ипига тортдим:

Рўзе амакаш ба тахти осеб нишаст,
Аз тахт фуруд омаду бар шеб нишаст.
Бар жойи амак ҳам аз рўйи таъзим,
Бар тахт баровард ба тартиб нишаст.
Аз таърихи он рўз хирад гуфт чунин,
“Шаҳмуродхон ба жулус” бе “зеб” нишаст.

Маълум бўлсинким “Шаҳмуродхон ба жулус” сўзларидаги рақамларни кўшиб, ундан “зеб” сўзини олсалар таърих ҳосил бўлади.

Ҳазрат Соҳиб мадрасасининг такмили (таъмири) йилнинг охири, Маллахон замонида бўлди. Уни тахтга ўтиришининг тўртинчи йили бу китобнинг муаллифи мадраса таърихини мадҳ ва қасида сифатида “маъданул-файз” дея топиб, назм ипига тортган эди.

Аз иноёти Эзиди мутаол,
Ва зи каромоти беҳтарин рижол.
Ёфт таъмир ин бинои бузург,
Лангари арзу дин ҳамчу жибол.
Ғавси офоқ ҳазрати Соҳиб,
Инчунин кард иморат ба камол.
Мискин раҳравони аҳлиллоҳ,
Маъдани файз нури илми қол.
Пояи маънияш ба арши мажид,
Суда аст чунонки, Сидра мисол.
Чашмаи нури мажмуал-бахрайн,
Ёфт жори дар наҳри қолу ҳол.
Карда абр бар осмонҳо фахр,
Гуфт бар ман бинои хайр ҳисол.
Ин бино ёфт бо ҳама ташриф,
Шараф машҳаду биҳишт мисол.
Дар васфаш кужо тавон гуфтан,
Аз ҳазорон яке ба чандин сол.
Бар ҳавои сифоти беши мир,
Тоире ожизе ту бе пару бол.
Эй ки охир аз рўйи сидқ ба чашм,
Хоки покаш ба жойи сурма бимол.
Ақл гуфт аз бинои таърихаш,
“Маҳали файзи илми ҳолу қол”.

Маълум бўлсинки, охирги мисра батамом таърих моддаси бўлади.

Маллахонга шаҳидлик шарбатини ичтирган куни, Шоҳмуродхонни амирлик тахтига кўтарганларида ўша вақт Худоёрхон Жиззах қалъасида яшар эди. Қаноатшоҳ Тошканд ва Қурама лашкари билан Туркистонда турарди. Маллахон ҳалокати Қаноат кулоғига етиб борди ва уни эшитгани заҳоти лашкар аъёнлари билан машварат қилиб деди: “Эй нусратасар лашкарнинг амирлари! Маллахонни ўртадан кўтариб, // 90^б Шоҳмуродхонни амирлик тахти узра ўқазибтилар. Шодмонхўжани *мингбоши* этибдилар. Агар маслаҳатимизни қабул этсаларинг Худоёрхонни олиб келиб Тошкандда хон кўтарайлик”.

Қурама ва Тошканднинг барча амирлари, Дашти қипчоқнинг барча *бий*лари бу маънони қабул қилдилар ва биргалашиб, Туркистондан мулозим юбориб мазкур хонни амирлик тахтига таклиф қилдилар.

Худоёрхон Маллахон қатли ҳақидаги хабарни эшитиб, ўз намакхўрлари билан нусратли уловга миниб, қозоқларнинг ватани бўлмиш Дашти қипчоқ сари азм этди. Суръат билан йўл босиб у Чордара устига келиб кўнди. Чордара қалъасининг ҳимоячилари бу гуруҳни қалъани қамал қилиб,

босиб олиш учун келаётганини билдилар. Бироқ, ҳақиқатдан хабар топиб, Фарғона мулкининг соҳиби тахти, баланд ошёнанинг лочини, замона хони Худоёр келаётганини билдилар. Қалъа ҳимоячилари иттифоқ билан ҳокимлари Бобожон деганни ташқарига чиқартириб, арз қилдиларки, жаҳонпаноҳ хон вақтни ғанимат деб билиб, дарёни кечиб ўтсин ва бир илож қилиб Чинос қалъасига кирсин. Чунки Чиносда ўша вақт *волий* йўқ эди ва Мирзо Комил *мирзо* деган киши вақтинча у ерда ҳукм сураб эди. Аҳоли ҳам ўз ҳокимлари деб уни қабул қилгандилар.

Асил хон ва пурдил султон қалъадагиларнинг бу сўзларини эшитган бўлса ҳам тааммул қилиб, бир-икки кун дарё бўйида туришни ўзига жойиз деб билди. Мазкур Мирзо қадами муборак бўлган хонни дарё лабига келиб қўнишини кўриб, хурсанд ва фараҳманд ҳолда, шодлигидан гулдек очилди.

Назм:

Ин чи хабар аст ба гўши жонам бирасид,
Эҳёи ду бора бар туробам бирасид.
Омад ба димоғам аз атири шоҳи,
Бўе, ки ҳаёти жовидонам бирасид.

Шу вақтда Чиноздаги қорақалпоқлар, чўлдаги одамношунослар хон келишидан хабар топиб, қаршилик кўрсатиб, хонни дарёдан ўтиши билан қўлга туширмақчи бўлдилар. Бироқ, мазкур Мирзойи доно ва маслаҳатпеша бетамиз қорақалпоқлар ва ғаламис бадавийлар муҳолафатидан хабар топиб, ул жамоа сардорини ҳузурига чақириб, деди: Қандай ботил андиша ва қандай фосид маслаҳатларни ўз каллангга жойладинг? Бу фараҳзамон ва шарофат // 91^а макон хоннинг келиши Тошканд ва санчиқли-ю қозоқлар машварати ёки Дашти қипчоқ қозоқларининг маслаҳати билан эмас, балки Кандир (давони) ичидан бошлаб, то Туркистон чегарасигача бўлган Қаноатшоҳ *оталиқ* қошидаги қўшин, барча тилга олган музофот улуғларининг даъвати билан бўлган. Улар иттифоқ билан мулозим юбориб хонни бу ерга олиб келганлар. Сизлар бу маслаҳатга қарши чиқиб, фитна барпо қилсаларинг тез суръат билан йўл босиб келаётган қўшин яқинда Тошкандга келиб кириши билан, сизларнинг қаршиликларингизни эшитиб, устларингга қўшин юборади. Сизларни чопиб, талон-тарож қилади ва нақд умрларингизни кўкка совуради. Ул жамоа *бий*лари мазкур Мирзойи хушёр ва беозор ҳоким оғзидан ваҳшат солувчи бу сўзларни, сиёсат аралаш шу гапларни эшитиб, кўркув ва ҳадикнинг кўплигидан ўз уйларига кетиб яшириндилар.

Мирзо Комил *мирзо* ақли комил ва расо билимидан билиндики, замона аҳли бариси Худоёрхоннинг нусрати ва давлати ғалабасини хоҳлаб, унинг фатҳу зафарини Бениёз ҳазратдан сўрардилар. Мирзо дарҳол дарёдан ўтиб, фирузбахт хонни кутиб олиб, ўзини хон қадами остига ташлади. Ҳол-аҳвол сўраб, унга арз қилдики, “Олийжоҳо! Бу ерда туришни маслаҳат бермайман. Фурсатни ғанимат деб билиб, дарёдан кечиб ўтсинлар ва Чиноз қалъасига кириб, у ерда икки-уч кун турсунлар, Худо хоҳласа кечирувчи Фаттоҳ имдоди билан давлатингизда фатҳ ва шахриёри пешоналаридаги нусрат шу ердан бошланар”.

Саодатбор хон ва пухтакор султон бу сўзларни эшитиб, дарёни кечиб ўтиш фикридан тафаккур денгизига чўқди ва жавоб берди: Эй Мирзойи соҳибқалам, эй донойи ростқалам! Саннинг рост ва сидқанжом сўзларингдан, ишончли юзларингнинг нуроний тобланиши саранжомидан манинг хотирим бутунлай жам, ўзим фараҳманд бўлдим, гинасиз кўнгилларимиз эса паришонликдан бирлашди. Бироқ, инсон хатарли вақтда хавф ва хатардан холи бўлмайди. Сидқмақол сўзларингдан ва тўғри маъноли мақолларингдан дилим ғунчадек очилди. Бироқ, сен бир кишисан холос, мамлакат олишда эса жамоа ва кўпчиликнинг иттифоқи ва биргаликда иш тутиши керак, маслаҳатчилар ва садоқатли одамлар лозим. Битта ўзинг ёлғизлик қиласанми деб кўрқаман, бу улуғ ишни эплашинг мушкул, бу буюк қилмишнинг саранжомидан эса ожизсан! // 92^б Мани ҳалокат жарлигига солиб, ўзинг эса мамлакат (халқининг) маломати ўқига нишон бўлмагин.

Мазкур Мирзо дурандиш хон ва маслаҳаткеш султон сўзларини эшитиб, унинг хотиржамлиги учун қасамлар ичди ва кўнглини тинчитиб, дарёдан ўтказди ва Чиноз қалъаси ичига олиб кирди. Чиноз қалъасига кириб, Тошкандга вилоятнинг энг улуғ катталаридан бири бўлган Мулло Солиҳбек ҳузурига мулозимни мактуб билан юбориб, бўлган воқеаларни, кўнгилидаги ҳадикларни арзига етказди.

Хони саодатнишон хабарини эшитган мазкур Охунд фараҳманд бўлиб, Тошканд вилоятининг ашроф ва аёнларини олдиға чақирди ва уларга Худоёрхоннинг келиши, мулозим жўнатгани, Қаноатшоҳ оталиқнинг Дашти қипчоқ қўшини ва барчанинг маслаҳати билан келаётганини ҳаммага бир-бир ошкор қилди. Улар ҳам бу маслаҳатни қабул қилиб, иттифоқ билан фирузбахт ва давлати улуғ хон истиқболини ўзларига энг зарур ишлардан деб билдилар. Катта хурсандчилик билан Тошканд вилоятининг барча аён ва ашрофлари истиқбол юзлари жоловини муборак қадам хон тарафига буриб, Занги ота ҳазратидан ўтиб, Кўҳна Тошкандга келиб тушдилар. Шу ердан хони

диловар ва султони Худо ёвар хизматига мулозим юбордилар. Енгил учар мулозим ўқдек учиб, бир канот қоққани билан худодод ва давлатимдод хон хизматига етиб борди ва вилоят аҳволини, истиқболига барча ақобирлар чиқиб, йўлда интизор турганини айтди.

Масъуд ва бахтиёр хон зудлик билан барча ҳозир бўлганлар билан бирга отланиб, Тошканд сари азм этдилар. Андак фурсатда Тошканднинг барча вилоят аёнлари билан учрашди. Уларнинг сардори Солиҳбек охунд вилоят аёнлари билан бирга жойида тик туриб, йўлга истиқбол учун чиқиб, замона шаҳаншоҳи йўлида интизор эди. Бирдан саҳро осмонининг бир буржидан, ғарб тарафидан хон чиқиб, саодатосор жамоли билан бахтли юлдуз каби йўл бошидаги кутганларни, саодатли некхоҳларни мушарраф этди. Сўраш ва салом-алиқлардан кейин бир муддат у ерда туриб, еб-ичишлардан тўйиб ул манзилдан кўчдилар ва Тошканд йўлини танладилар. Занги ота (мозори)гача бу худуднинг кутувчилари йўлнинг икки тарафида туриб, // 92^a салтанатзеб хон нусрат топиши ва фатҳига фотиҳа ўқиб, имдод тилардилар. Тошканд вилоятининг барча ақобир ва улуғлари билан бирга Занги ота файзанвор мазорига келиб тушдилар. Зиёрат одоби қоидаларини риоя қилиб, садақа ва назру ниёз бериб, еб-ичишлардан фориг бўлгач, у ердан чиқиб хонни шаҳарга олиб келдилар.

Занги отадан то Тошканд ҳукумати қасрининг дарвозасигача Тошканд вилояти ва шу ён-атрофдаги элотия халқи йўлнинг икки томонида саф тортиб, кўлларини дуога кўтариб, шаҳаншоҳ фатҳу нусрати ва вилоятпаноҳи хоннинг ёрмандлиги учун дуо қилардилар. Дашти кипчоқ вилоятининг аҳолиси ҳам хурсандчилик ва фараҳмандлик билан фирузбахт хон умри узайишини Ҳоким ал-ҳокимийн ҳазратидан сўрардилар. Хони дилжў ва султони некўхў чиққан манзилидан то қасрул-аморат қасригача бўлган йўлнинг икки ёнида турган халойиқ саломларига кўнгил сўрашлик билан жавоб бериб, ҳар бирларининг ҳолатига мувофиқ хушхулқи ва яхши одоби, султонлик тавозе ва ҳоконлик дилнавозлиги билан алиқ оларди.

Назм:

Зи шоҳон хуш аст гар тавозеъ кунанд,
Ба кибру манмани умр зоеъ кунанд.
Ба одоб агар шоҳ қад ҳам кунад,
Чун афлок дар авжи ў сар ҳам кунад.

Бу дилкаш ахлоқини кўриб халойиқ хурсандчилик билан қайтаётиб, бир-бирларига хоннинг ахлоқи ҳасанаси ва яхши хислатини мақтай-мақтай келдилар. Шу куни Тошканд вилояти ва унга тобе музофотларининг аҳолисига наврўз байрамидек кўринди. Охири катта хурсандчилик ва чексиз шодлик билан Тошканд дорул-аморат қасрига улкан бир давлат ва иззат, мисли кўрилмаган таъзим ва шавкат билан келиб тушди. Тошканд вилоятининг уламо ва фузало, кубаро ва машойихлари иттифоқ билан ва Қаноат оталиқнинг Солиҳбек охундга мактуб орқали ёзиб юборилган маслаҳати ва машварати билан оқ кигизга солиб, кигизнинг тўрт бурчагидан тўрт нафар мўйсафид *оқсоқоллар*, тўрт нафар аҳли тавфиқ муҳаққиқларининг машойихлари кўтариб хон деб, жаҳонбонлик тўшаги ва ҳукмронлик тахтига ўтказдилар. Баландпоя тахт ва аржумандлик жойга ўтиргандан кейин барча йиғилганларга, кабиру сағир, бойу фақир демасдан фоҳира либослар кийгиздилар, вилоятнинг каттаю кичигини, аёну ашрофини катта хурсандчилик билан кузатиб қўйдилар.

Бир-икки кун ўтиши билан Қаноатшоҳ оталиқ Тошканд лашкарияси ва Қурама қўшини билан Дашти кипчоқдан келиб, Тошканд дорул-аморатига кўнди. Давлат арконлари ва мамлакат аёнлари билан Қаноатшоҳ шаҳриёрий *сақлавига* кириб, бирор соат хизматкорлик одобини сақлаб турди ва рухсати олий ва ижозати шаҳаншоҳий билан қабулда бўлиб, остонани ўпиш шарафига мушарраф бўлишди. Шундан кейин умаро ва *понсадбошилар* бир-бир кириб қўл ўпиш саодатига эришдилар. Давлат арконлари султон ҳузурида шоҳона ҳукумат билан сарафроз бўлиб, иззат тўшаги ва марҳамат маҳфилига ўтирдилар. Уларнинг ҳар биридан ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин олдиларига пурнозу неъматли дастурхон ёзиб, емоқ ва ичмоқ нарсалари билан тўлдирди. Зиёфатдан кейин Қаноат *оталиқ* қадди қоматини заррин либос билан оро бериб, ҳоконлик карам ва шоҳона марҳаматлар билан бошни баланд қилди. *Саркарда* ва *понсадбошилар* бағоят хурсандчилик билан рухсат олиб, хон хизматидан фориг бўлиб, чиқдилар ва манзилларига бориб ором топдилар.

Ҳар куни адаб қонуни асосида таниш одамлар салтанат асос хонни бориб кўриб, остона тупроғини ўпар, садоқатли *ходимлар* каби тавозе ва эҳтиром билан кўриниш берардилар. Амал ва мансабига кўра, тепасига ўринларини топиб ўтирардилар. Мажлисоро хон салтанат мажлисини хосу ом ва амалдорлари билан бирга энг яхши тарзда ўтказарди. Шу тарзда хони фархунда асос салтанати дастгоҳининг бозори гавжум бўлиб, унинг овозаси мамлакатнинг ҳамма жойига тарқалиб кетди ва *жарчию хабарчилар* ахборотни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга муболиға билан етказдилар.

Бу ваҳшат келтирувчи хабар Фарғона тахти устида ўтирган ақлу ҳуши йўқ кишиларгаким, салтанат ва ҳукмронлик ипини норасо қаллоблик йўли билан қўлга олганларга етиб борди. Улар яраланган илон каби биланганиб, бошлари устига бахтсизлик тупроғини сепдилар. Номус ва чорасизликдан қўшин тартиб бериб, Тошканд сари равона бўлдилар. Хўжанд йўлига кириб, Хўжанддан ўтиб Худоёрхон итоатига ўтган Нов ва Қўштегирмонни олдилар. Бу ерда Мирзо Давлат тожик волий эди. Йўл босиб Рустамбек ибн Қозоқбой Тошкандий³¹⁴⁴ ҳоким бўлган Кировчини тамаллуқ билан қўлга киритдилар ва // 93^a у ердан ҳам кўчиб икки кун ичида Ниёзбек (қалъаси) устига келиб кўндилар. Ҳокимини яна тамаллуқ билан ўз итоатларига киритдилар ва Тошканд устига келиб тушдилар. Тошканд йигитлари ҳар куни чиқиб улар билан ғолибона жанг қилиб, йўлларини тўсиб қайтардилар. Бир неча кун жанг ва талаш шовқин-суронини ҳаддан оширдилар. (Худоёрхон) қўшиннинг аҳволи танг бўлиб, деярли мағлуб бўлаётганида Бухоро амирининг чиқиб Самарқандга келиб қўниши хабари тарқалди. Қипчоқия лашкари кўнглига қўрқув ва ҳадик тушди ва улар Тошканд устидан кўчиб, Чирчиқ дарёси лабида кўндилар. Эртаси куни Чирчиқдан кечиб ўтиб, Кировчига *илғор* ташлаб, у ердан ҳам кўчиб Хўжанд суви соҳилига келдилар. Бу ердан ҳам *илғор* юбориб, кўчдилар ва Самғарга келиб тушдилар. У ердан кўчиб дарё лабида қўш урдилар. Ул бебош ва авбош жамоа бир-бирларига муҳолифат бошлаб, ўзаро фитнани бошладилар. Ўша вақтда *мингбоши* Шодмонхўжа эди.

Мулло Олимқули вақтни ғанимат деб билиб, мазкур *мингбоши* ва Бекмуҳаммад *ҳидоячи* қипчоқ билан бирлашиб, Хидир қирғиз, Ирисали қипчоқ ва Худойназар чўлоқни дарё лабига олиб чиқиб, қатл қилдилар. Дорул-аморат Хўқандда қолдириб келган Олимбек қирғиз мундузни ҳам дарё лабидан Чўтан қирғиз деганни юбориб, қатл қилдилар.

Худоёрхон бу фатҳасар хабарни эшитиб, қўшинни омода қилиб, Тошканддан чиқди ва тез орада Кировчида тўхтамасдан Хўжанд дарёси лабига келиб тушди. Бухоро амири ҳам келиб Хўжанд ичига кирди. Шердил хон ва ул мутаваккил султон дарёдан ўтиб, амир билан учрашди ва ундан фотиҳа олгандан кейин қайтиб ўзининг зафарасар қўшинига қўшилди. Бу ердан кўчиб йўл босиб келиб, Қамишқўрғонда кўнди. Эртаси унинг фармойиши билан шаҳарнинг шимол тарафидаги Урганжий дарвозасидан ёз офтоби каби чарақлаб, заррин қинли шамширларни қиндан суғориб олиб Хўқанд ичига кирди.

Ўша вақтда қипчоқлар ва Шодмонхўжа *мингбоши* Қатаған дарвозаси олдида ўз жойларида турур эди. Шохмуродхон эса Мўйи муборак дарвозасида эди. Қипчоқлар Худоёрхонни Урганжий дарвозасидан бостириб кирганини эшитдилар. Бир минг икки юз етмиш тўққизинчи йили Худоёрхон шаҳарга кирди.

// 93^b Қипчоқлар бирдан ўз отларига миниб Қатаған дарвозасидан чиқиб, қочиш йўлига кирдилар. Шохмуродхон ҳам уч-тўрт нафар мулозимлари билан чимли тўғаноғидан бесаранжомлик билан чиқиб, қочиш йўлига кирди. Йўлда отдан йиқилиб тушиб, яна отга миниб қипчоқлар кетларидан қочиб борардики, Олмуроддан бир киши унинг йўлини тўсиб қўлга олди ва Худоёрхон хизматига юборилди. Салимдил хон шафқат ва қариндошлик юзасидан ўз олдида, жигаргўшалари қаторида уни сақлаб, қариндошлик қондасига риоя қилди.

Хўқандга киришидан кейин уч-тўрт кун ўтиб, хони музаффар аркони давлати билан Бухоро амирининг Хўқанд ичига кирмоқчи бўлаётган хабарини эшитди. Давлат арконлари ва вилоят аъёнлари маслаҳати билан тўп ва жазоирларни дарвозалар олдида жойлаштириб, вилоят қўшини билан мусаллаҳ ва мукамал ҳолда жангга тайёр бўлиб турдилар.

Бу ваҳшат солувчи хабарни Бухоро амири эшитиб, *Маҳрамдан* орқага қайтиб, Бухоро йўлини олди. Бухоро амири орқага қайтиши билан Қаноат *оталиқни* кўп ҳадялар билан амир хизматига юбориб, ўз аҳволини унга маълум қилди. (Бироқ) озгина муддат ўтмасдан Қаноат *оталиқни* Бухоро амири қатл қилди. Худоёрхон амирнинг бу қабих ишидан хабардор бўлиб, кўб ғамгин ва паришонхотир бўлди.

Айни шу паришонлик вақтда қипчоқ ва қирғизлар лашкар йиғиб, Андижон устида яна ташвиш ва бесаранжомликни бошлаб, от суриб уни талон-тарож қилдилар. Дарҳол Дўст юз деганни Андижонга ҳоким қилиб, Дўст Муҳаммад³¹⁴⁵ қорақалпоқ, Мулло Султон³¹⁴⁶ юз, Холикназар тожик, Муҳаммадсайид тожик ва шунга ўхшаш пойтахт катталарини лашкар билан бирга Андижонга юбордилар. Улар келиб шаҳар мудофааси билан машғул бўлиб, шаҳар кўчаларида чимдан тўғаноқ солиб, муҳорабага мунтазир турдилар. Қипчоқия ва қирғизияни келиб Чилон мазор мавзеига келиб

³¹⁴⁴ Рустамбек додхоҳ Қозоқбой ўғли – Туркистон (1858–1859), Тошкент (1859–1860, тўққиз ой), Туркистон (1861) ҳокими. 1862 йили дастурхончи бўлган.

³¹⁴⁵ Дўстмуҳаммад – 1863 йили ҳалок бўлган. Қорақалпоқлардан.

³¹⁴⁶ Мулло Султон додхоҳ (ваф. 1863) – юз қабиласидан, охунд ва понсадбоши.

тушган хабари етиб келди. Эртаси куни чошт вақтида Андижон адири тепасига келиб, саф тортиб, бир фурсат ўтмасдан ҳамма тарафдан чимли тўғанокларни бузиб шаҳар ичига бостириб, жанг тўлқинини симоб рангли осмонга етказдилар. Ҳаддан ошган қаттол жангни бошлаб, уруш шовқин-суронини Сурайё авжигача кўтардилар. Оқибат қипчоқлар гуруҳи келиб, Андижонни ўз тасарруфларига киргиздилар ва у ерда уч кун туриб, тўртинчи куни Асака мавзеига келиб қўндилар. Шу аснода бу ҳодисанинг хабари хонга етиб борди. Бу хабарни эшитгандан кейин ва жанг тафсилотлари-ю сартия кўшинини қочишини билиб, хон давлатхоҳлар маслаҳати ва // 94^а хайриятандишлар савоб фикрларининг ёрмандлиги билан кўшин тартиб бериб, саҳройи исёнчилар ва кишлоқий адоватпешалар устига отланди. Йўл босиб бориб Марғинонда кўним топдилар ва бу ерда истиқомат бошладилар. Кейин бу ердан кўчиб Яккатут деган жойга бориб тушдилар. Эртаси куни бу ердан ҳам кўчиб, Хўканд кишлоқдан ўтиб, Кубонинг Шўр (мавзеининг) пастроғига шовқин солиб тушдилар Шу куни бу ерда ором топдилар. Эртаси қипчоқлар келиши хабарини етказдилар. Мутаваккил хон ҳам тўпларни ўқ билан тўлдирган ҳолатда душманга қарши кўйиб, кўшин сафларини ростлади ва жангга тайёр бўлиб турди. Қипчоқлар уч гуруҳга бўлиндилар. Бир гуруҳи шердил хонга муқобил бўлиб ҳужумга ўтди. Иккинчи гуруҳ тўпларга қарши сафланди ва учинчи гуруҳ Қурама ва Ёрмозор кўшинларига қарши бўлиб, ҳужумга ўтди. Қурама кўшини қипчоқлар ҳужумига дош беролмай, қочишга тушди, Ёрмозор кўшини ҳам Қурама кўшинига кўшилиб чекиниб кочди. Хони шердилга қарши бўлган кўшин унга муқобил келиб, ул виқорли ва тамкиносор хон қонхўр паланг ва тиши ўткир наҳангдек қонхўр шамширини заррин қинидан суғуриб, бодрафтор отига қамчи уриб, жонсипор муборизларни қўллаб, ул саргардон лашкар қалбига биёбон бабри ва йиртқич шер каби ўзини урди. Уларнинг умру жонларини кўкка совуриб, ёруғ оламини ул жамоа кўзларида қоронғи гўр каби тор қилди. Ўша куни икки кўшин отларининг туёқларидан ҳавога кўтарилган чангу ғубор тўфонга айланиб, ҳаво табиатини тупроқ табиатига алмаштирди. Ёғдули кун энг узун тун каби қоп-қора бўлди. Диловарлар шамширларининг қарс-курс овози кечада чакнаётган яшин ёруғлари каби бу ғубор дарёсининг тўлқинларида чакнарди ва учаётган аждарга ўхшаб ҳавода душман қонини ичига ютарди. Ғалаба келтирувчи тўфанглар қонхўр наҳанглар каби ул тўфонасар тўлқинда бир нафасда оловдек жонни куйдурувчи ўқ чангаги ва яшиндек дору мадади билан муҳолифларнинг жигарларида панжарадек тешиқларни ул исёнчиларнинг нопок руҳлари сақар сафарига кетишлари учун очди. Жанг бозорининг ғавғоси ва шовқин-сурони мовий фалакка кўтарилиб, уларнинг бешала ҳислари бу қиличбоз диловарлар тиғи зарбидан ваҳимага тушиб, // 94^б аждардаҳан тўфангларидан халал ва зарар кўриб, қочишдан бошқа чора топмай, оқибат тум-тарақай тарқалиб кетдилар.

Хони ғазанфар ва султони наррабабр, исқандардек панжаси зўридан, ботирлик қўли ва билаги билан рустамдек тиғ уриб, қувиб борарди ва сўйганларидан пушталар кўтариб, Ниёз *баҳодир* қалъасигача бориб орқага қайтди.

Назм, маснавий тариқасида:

Акнун ман кунам васфи он рўзи жанг,
 Ки тасфида бозори ному нанг.
 Тарозуйи бозори он маърака,
 Ба жуз жон насанжида кард бадрака.
 Далирон ба ду каф гирифт он замон,
 Якеро ба шамшер ва дигар ба жон.
 Ба шамШермезад бар фарқи адў,
 Яке буди он мегашт тан ду.
 Ба зону агар мезади тиғро,
 Ки мазруб монди ба як дасту по.
 Агар бизади найзазан бар шикам,
 Зи пушт дар гузашти синон ду дам.
 Ба табарзин агар мезади бар сараш,
 Ки бе сар фитоди тани ло изаш.
 Шаҳи номварро ба каф тиғи тез,
 Буриди сари душманон ҳамчу без.
 Дар он рўзи бе жо шаҳи тиғзан,
 Ба бозуи мардонаги сафшикан.
 Чунон мезади бар сари душманон.
 Чу аз тезии тиғ сар бар танон.

Биистода сар бар тани захмиён,
Зи қатъи сараш ба жуз тан зи жон.
Зи бозуи шаншаҳи тигзан,
Касе зарб хўрди шуди руҳ кан.
Ҳама гуфтанд аҳсан ба бозуи ў,
Бисуфтанд дар васф бозийи ў.
Дар он рўз афлокиён то малак,
Бал аз ҳафтумин торам то таҳти самак.
Надимон агар мешуди рўзи жанг,
Шуди ҳалқа дар гўш ў бедиранг.
Агар Сом аз ҳазрати ин дасти зўр,
Бидиди ва худро кашиди ба дур.
Агар Зол аз дасти хунрези шоҳ,
Шуниди дар он дам шуди дар паноҳ.
Агар Рустами Яли жаҳон паҳлавон,
Бидиди чунон разми охир замон.
Зи даст барфиканди амуди гарон.
Сари худ баргирифти ба як хилват он.
Зи ҳар гўша сад тири хоро шикоф,
Бирезад чу борон ба сар бе хилоф.
Паноҳ жуста мекард ў тарки жанг,
Зи борони тиру балои тўфанг.
Бало бибаст борони балои тиру камон,
Чу тўфон биборида аз осмон.
Дар он дам далирони он маърака,
Ба жанг меафтоданд дар он ҳарбгах.
Яко як дарафтода бар якдигар,
Заданди ҳама панжаҳо дар камар.
Ба дафъи синон ва амуду камар,
Бипўшида жавшан бар олуи сар.
Дубулға ба сар баста, чор ойина,
Ба дафъи зарар бувад ин қоида.
На тупу жазоир на тиру тўфанг,
Ҳамекард бар панжа жанг фаланг.
Дар он дам чунин гашта буд расми жанг.
Зи тиру тўфанг ҳоли Ифрит танг.
Ки сад ҳамчу Рустам ба як зарби тир,
Бияфтад зи болои //95^a маркаб ба зер.
Бидиди чунин жанги тиру камон,
Ҳамегуфт Сухроби Ял “ал-амон”.
Бидид агар Баҳману Исфандиёр,
Аз ин шаҳриёр инчунин корзор.
Бидиди агар бозуи ял кан,
Ба худ қабр мекофт он пилтан.
Бикарданди дар даргаҳаш бандаги,
Ба расми ғуломон сар афканадги.
Сикандар дар олам ки кард ў зухур,
Накард инчунинг жанг ба бозуи зўр.
Надида фалак инчунин тигзан,
Зи шоҳаншаҳон инчунин пилтан.
Чи гўям зи васфи шаҳи номвар,
Надида чунин шоҳ жинси башар.

Билохир бечора хон лашкаргоҳига қайтиб келиб қараса, аксар қўшин фатарот бўлиб, ҳар тарафга тарқалиб кетишган, фақат *тўпчилар* тўплардан отиб, жанг ва жадал билан машғул. Жанг кўрган хон ва ишбилармон султон бу аҳволни мушоҳада қилиб, хотиржамлик билан барча лашкарнинг аробаларини йиғиб, атрофини улар билан гир ўраб олди. Ора-орасида тўпларни жойлаштирди. Қўрқув ва ҳадиксиз, соғ-саломат ва кўнгилларини тинчитиб, оташнафас ва

аждарпайкар милтиқларни ўқу дору билан тўлдириб, жангга омода бўлиб турди. Аскарлар ташлаб кетган қўшу палтарни ҳам йиғиб олиб, ишончи ва садоқатли мулозим ва *ходим*ларга берди. Улар қайтиб келишларига умид қилиб, ўз эгалари ва соҳиблари келганда қайтаришни буюрди.

Алқисса, шу вақтда Андижон ҳокими бўлган Дўст номли юз (қавмидан) бўлган бир ғўр ва хом киши Худоёрхон қўшини чекинишини эшитиб, заифлиги ва беномуслигидан қипчоқлар итоатига ўтиб қолди. Дорул-аморат лашкарининг *саркардаларидан* бўлган Мулло Султон *додхоҳ*, Холикназар тожик лашкария йигитлари билан бирга минг азоб ва машаққатлар билан таваккал эҳтишом хонга келиб қўшилмоқчи эдилар. Мулло Султон шердил хонга яқинлашмоқчи бўлганида қипчоқлар унинг йўлини тўсиб, қўлга олмоқчи бўлдилар. У йўлни ғалат қилиб Марғинонга етиб келди. Энди Андижон ҳокими Қодирқулбек бўлган эди ва у Андижонни олти ой давомида қамал қилди. Ўшал мавридда Андижон *оломонларидан* Мулло Шер *додхоҳ* ва Хўжабек саркорни қатл қилдилар.

Алқисса, қипчоқлар гуруҳи беанжом қирғизлар билан ҳар куни ғавғо кўтариб, Андижонни қамаб, чиб солган тарафлардан узокдан от қўйиб келардилар. Бироқ, ўқ ваҳимасидан яқинроқ келолмасдилар.

Оқибат жўшу хурўш ва кўшиши бисёрдан сўнг бу вилоят аҳли бошига минг фитна ва аламотларни тушириб, қипчоқлар зўри ва билагичи кучи билан бу вилоят фатҳ ва тобе // 95б бўлди.

Шу орада найза урувчи нодир, Холикназари *баҳодир* ўзича ўйладики, бу авбошлардан қочиш йўли билан қутулиб яшамоқ аҳли маърака олдида бандий бўлиб зангийдек яшашдан ҳам баттардир. Жанг маъракасида номусу нанг талошида жон бераётган марди майдонларга ўхшаб, бу заиф дунёдан ўтиб кетишим яхшироқ эмасми, деган андишада мустаҳкам туриб, уч-тўрт нафар мулозимлари билан отга миниб, қўрқув ва ҳадиксирамасдан Андижондан ошкора чиқиб, Қубо йўли билан кетаётганида бирдан ул далири таваккалчи йўлини қипчоқлар тўсдилар.

Ул паҳлавон ва марди майдон, андишали найзабоз ва ғайратли одам ўзига: “Бу сенинг охиригини кунингдир. Боқий номингни бу мардлар маъракасида энг яхши ном билан қайта қолдиришинг лозим ва мардоналик фазилатини ўзингга мансуб этмоғинг зарур”, деган андишалар билан қўлига найзасини олиб, отига қамчи урди ва қипчоқларга найза отди. Икки-уч нафарини найза зарби билан отларидан ағдариб ташлади. Унинг атрофини гир-айланасига ўраб олдилар. Ул наррашер сурувга урган бўридек, галага ташланган шердек бўкириб, отини қамчилади ва душманларидан бир-икки нафарини уриб отдан ерга қулатди ва қуршовни ёриб, йиртқич шердек жанггоҳ майдонидан ташқарига чиқди. Шундай қилиб бир неча марта уни қуршаб олдилар у эса доирани ёриб чиқиб кетарди. Оқибат оғир жанг ва олишувлардан сўнг ҳаддан зиёда кўшишлардан кейин уни харсангни ёрувчи тўфанг ўқи билан ҳалокат жарлигига отиб ташладилар.

Алқисса, қирғиз ва қипчоқлар гуруҳи Шўр мавзеидаги чибли тўғаноқларда икки ой муддатгача саргардон бўлиб юрдилар. Атроф-теварак, Андижондан Қодирқулибек ва Шаҳрихондан мулозимлар юбориб, хизматга талабгор ишончли ва садоқатли йигитларни хон ҳузурига жўнатардилар. Қипчоқ ва қирғизлар ҳам ўз лашкарларини йиғиб, қайси шаҳар ва мавзегга борсалар у ердаги фуқаро ва қоракалтак дасталари уларни уриб қайтарардилар, шаҳарларга йўл бермай ҳайдардилар. Вилоят аҳли Худоёрхон давлатини дуо қилардилар ва Ҳокимлар Ҳокими бўлган Аллоҳдан адолатпеша хон нусратини сўрардилар.

Оқибат зийрак хон тушундики, агар бу йигитлар чимли тўғаноқларидан чиқиб душманга қарши чиқсалар жангу жадал, уруш ва саваш уддасидан чиқмайдилар. Ишбилармонлик, тажриба ва узокни кўра биладиган андишаси, ақли ва мулоҳазасидан келиб чиқиб, тарқоқ фуқарога таянишга руҳсат бермади.

// 96^a Оқибат чимли тўғаноқнинг жануб тарафи, Қубо мавзеига қаратилган томондан очиб, узокроғида чимдан янги ғов қуришга амр берди. Чунки, бу ернинг бадбўй ҳиди ва ифлослиги димоғ ва ҳисга, мизожга ҳалал етказарди. Бундан ташқари, Қубога яқинроқ бўлинарди. Барча аскарлар бу амрни маъқуллаб, фархунда асос хон буйруғига биноан юз қадам нарироқда янги тўғаноқни чимдан барпо қилдилар. Шундай қилиб, қадам ба қадам ғовларни суриб, Қубо мавзеигача етиб келдилар ва Қубо шаҳрининг ичига кирдилар. Бир муддат қипчоқларнинг жангу жадали зарарларидан озод бўлиб, бир-икки кун бу ерда истиқомат қилиб, қадду қоматларини тиклаб, сўнгра у ердан кўчиб Яккатут мавзеига келдилар.

Қипчоқлар гуруҳи иш қўлдан кетганини билдилар ва шошилинич шитоб қилиб, Якка тутга келиб, унинг атрофида айлана-айлана яқинлашмасдан кетардилар. Чунки ул жангжў *баҳодирларнинг* оташбор тўп ўқи ва маргосор тўфанг отишмаларидан шатта еб, ўлим биёбони йўлига кириб, ўзларининг гарду ғуборларидан олам этагини тозалагандилар. Саргардонлик ва ноиложликдан ўз

ишларининг саранжомини қўлдан бой бериб, Марғинон вилоятига келганларида Марғинон йигитлари шаҳардан чиқиб, уларни уриб қайтарардилар.

Шундай аҳволда бир ой ўтди.

Хўқанд дорус-салтанатидаги фуқаролар (бир куни) Жоме масжидида йиғилиб олиб, бир-бирларига дедиларки, бу қандай бемурувват фуқароки, марҳамат ойинли хоқонимиз, бизларнинг тахтнишин султонимиз Яккатут мавзеида, Марғиноннинг энг ҳақир қишлоқларининг бирида туриб, муқотала ва мужодалада саъйу ҳаракат қилиб, жангга машғулдир. Мухтарам хон ва мухташам султонни ваҳшийлар ва даштликлар орасида қолдириб, вилоят фуқаролари ўз уйларимизда тинч ва хотиржам ётишимиз султонга итоат доирасидан ва хоқонлик риояти хаттидан узокдир. Бутун вилоят ва унинг атрофидаги фуқаро қоракалтак (дасталарга бирлашиб) бўлиб, унинг олдига бориб ўз султонимизга мадад беришимиз зарур.

Бу маслаҳат барча хосу ом ва халойиққа маъқул бўлди ва ҳамма бирлашиб, иттифоқ бўлдилар ва ҳазрати Эшон Соҳибзода ҳузурига мулозим юбориб, уни масжиди Жомега чақиртириб келдилар. Эшон Соҳибзодани таъна қилиб, қўпол ва қаттиқ сўзлар билан уни Яккатутга, // 97^b қуршовга тушган хон хизматига бориши учун мажбур қилдилар. Эшон ҳазрат бу таклифни қабул қилиб, сафар тайёргарлиги учун бироз муҳлат сўраб, кейинроқ уларнинг орқаларидан йўлга чиқишини айтди. Бирдан барча халойиқ ва жами *оломон* ҳазрати Соҳиб бошига ғавғо кўтариб, баланд овозлар ва нописанд сўзлари, бемаъни калом ва мазмунсиз мақоллари билан эшон хотирига озор бериб, унга “Биз сизни уйга бориб, сафар саранжомини қилиб, кетганимиздан кейин орқамиздан тушишингизга йўл бермаймиз. Бу ишингиз амри маҳолдир. Ҳозир отга мининг ва оломон олдига тушиб, бизни бошқаринг” дея дўқ-пўписа қилдилар. Ноиложликдан, эшон сафар асбобисиз Яккатут йўлини олдилар. Дорус-салтанатнинг барча *оломон*лари бир-бирларига ишонмай йўлда бир нафас таваккуф қилишни, бирор кишини бир дақиқа ҳам орқада қолишини қўймасдилар. Шундай жидду жаҳд ва тез суръат билан Марғинонга етиб келиб, Тошлоқ мавзеига етиб келдилар. Ҳазрат ҳам шу ерга келиб тушдилар.

Кун яримдан ўтганда қабих аломот *оломон* яна ғавғо кўтариб ҳазрати Эшон бошига келиб, ундан йўлни давом этдиришини талаб қилдилар. Шу вақтда номдор сипоҳилар ва ишбилармон аскарлардан бўлмиш Мулло Султонким, Андижондан ўз кучи билан қипчоқлар жангидан халос бўлиб Марғинонга келиб кирган эди, Марғинон катталари ва аҳолиси тарафидан дорул-аморат *оломон*ига сардорлик қилиш учун номзод қилиб юборилган эди. Мазкур Мулло Султон деди: Эй дорул-аморат Хўқанднинг *оломони*, ва эй шоҳона дастгоҳнинг ҳавохоҳлари! Ҳазрати Эшон Соҳиб (зода) сизларга қўшилиб, ризожўйлик юзидан ва дуогўйлик йўлидан *оломон* қаторига кириб келибдилар. Энди (Яккатутгача) бир фарсанг ҳам масофа қолмаган. Қабих афъол ва шум атворни эшон шаънига раво кўрмоқ, одобсизлик ахлоқини ҳаддан оширмоқ инсонийлик одоби доирасидан узокдир. Бу муомаладан ғаразларинг шуки, султон фатҳу зафарини ҳазрати Фаттоҳи зул-мубиндан сўраб, ўз шаҳаншоҳларингга мадад бермоқдир. Бундай ишларнинг оқибати аҳлуллоҳ дуоларига ҳам боғлиқ. Аҳлуллоҳ вакилларининг хафа ва ранжишларида ҳам катта хатар бор. Зафар ва хатар Ҳақ таоло иродасига боғлиқ бўлса ҳам сизларга ҳазрати Эшондан дуо талаб қилиб, мадад ва ёрдам сўраш лозим бўлади. Менга буюринглар камина бориб ҳазрати Эшон Соҳибни ранжиган хотирини // 97^a фатҳ жиловли отга миндириб келай. Сизлар одоб билан йўлга киринглар. Қадимдан катталар орасида расм бўлиб келганки, йўлда бирор бир йиртқич ваҳший ёки қутурган ит бўлса, кичиклар катталарни олдиндаги зарарлардан қутқаришни ўзларига фарз деб билганлар. Бу йўлда ҳам хавфу хатар кўп. Одоб юзасидан сизлар олдинроқ юринглар, орқаларидан ҳазрат Соҳиб ҳам йўлга тушиб, аста-секинлик билан боришлари яхшироқдир.

Шундай қилиб таъсирли сўзлар ва мулойим каломлар билан *оломон*га далда бериб, ҳазрат Соҳибзода хизматига келиб, *оломон* айтган сўзларини фасоҳат билан айтиб берди. Мулло Султоннинг ғарази шу эдики, бу баҳона билан ҳазрати Соҳиб ҳузурига келиб, унинг баракатли суҳбатидан ва у билан ўтиришидан баҳра олиб, дуосининг шарофатига мушарраф бўлса, хосиятли дуосини олса. Шу баҳона билан эшони олийшон дуосини олди ва муборак хотиридаги ранжишга таскин бериб, қайтиб бориб, *оломон*га қўшилди. Мулойим сўз ва ширин гуфтори билан *оломон*ни йўлга солди.

Хўқанднинг *амини* Худойназар отликлари ва бир неча тўпу жазоир билан олдинга юриб, суръат билан равона бўлганларида *оломон* пиёда орқадан келарди. Тўсатдан қаршиларида кутилмаган балодек уч-тўрт гуруҳ найзадор ва камончилар пайдо бўлиб, Худойназарамин ва унинг тўпу *тўпчилари* йўлларини тўсдилар. Кейин орқадан етиб келган пиёда *оломон*га ҳужум қилиб, қувиб, ўлдириб, қўлга олардилар. *Оломон*нинг бир гуруҳи ўзларини бир қўрғончага олиб, яшириндилар. (Қипчоқлар) бўғдой ўрамларидаги боғларни олиб, уларни ёқиб ўша қалъача ичида яширинганлар

устига ташладилар. Ёнаётган буғдой боғламлари қалъа ичидаги *оломон* бошларига тушиб, дорул-аморат *оломон*лари билан тўлган қалъа ёниб кетиб, улар дод-фарёд кўтардилар. Ҳаво қушлари учишдан ва сахро судралувчилари судрашдан қолдилар. Оловдан қочиб қалъа ташқарисига чиққанларни қипчоқ ва қирғизлар қўлга олиб, асир олардилар. // 97^б *Оломондан* баъзилари пиёда ҳолатда қочиб, машаққатлар билан халос бўлардилар.

Оломоннинг сардори Мулло Султон отига камчи уриб, шимол тарафига, Шаҳрихон тарафига қочти. Бирдан унинг орқасидан икки юз нафарга яқин отлик от қўйиб қувишга тушдилар. Охири ул шеримард ва чобуксавор сардор, яшиндек қуваётган суворийларни ўзига яқинлаштирмай, минг машаққат билан халос бўлиб, ҳазрати Соҳиб хизматига етди.

Бу мудҳиш хабарни ҳазрат диққатига еткизганларида Эшон Яккатут йўлига кириб, энди отга минмоқчи эдиларки, иш аксига олганини билдилар. Дарҳол шу ерда таваккуф қилишни жоиз кўрмасдан Марғинонга қайтиб кирдилар. Эшон муборак нафасларини рост қилмасдан Мулло Султон эшикдан кириб келиб, муборак ҳазрат оёғига ўзини ташлади ва кўп нолаву зора билан йиғлаб, ўтган воқеаларни бир-бир нурли хотирларига арз қилиб, зиё тарқалувчи замирларига фош қилди. Ҳазрат Соҳиб Мулло Султонни овутиб, хони фирузбахт давлатини зиёда бўлиши ва фатҳу нусрат ёр бўлишини Ҳокимлар Ҳокими даргоҳидан сўрардилар ва баландмакон хон давлатининг мустаҳкамлиги ҳақида муждалар берардилар ва айтардиларки, бу давлатнинг боши машаққат, унинг охири эса роҳатдир. Ўшанда қаттиқ шиддатдан кейин хурсандчилик ҳосил бўлур. Шундай ширин сўзлар ва намакли мақоллар, марҳаматқарин шафқатлару карамойинли кароматлар билан уни сарафроз этиб, кетишига рухсат бердилар. Мулло Султон ҳазрат Соҳиб хизматидан фориғ бўлгач, ўз қўшига борди.

Ҳар куни қипчоқлар икки гуруҳга бўлиниб, бир гуруҳи Маози Жабал мавзеига келиб нусратасар хон, Худо ёвари бўлган хоқон, қаҳрамони диловар устига бориб, жанг қиларди ва унинг тўпу тўфанги зарбидан шатта еб, кулфат ва шикастдан хижолат бўлиб қайтарди. Иккинчи гуруҳ Муҳаммад Назарбек, Мирзо Аҳмад³¹⁴⁷, Мулло Султон каби Марғинонда бўлган *саркардаларга* қарши жанг қилиб, улардан ҳам ваҳшат кўриб, катта кулфат билан қайтар эди. Оқибат бир куни Мулло Султон ҳазрати Маоз Жабал тепалигида жанг маъракасида қаҳрамонлик қилиб, қипчоқлар таналаридан жонларини суғуриб олаётганда, ғолибона жанг, ўқу тўфанг дарёсининг тўлқинлари мавж // 98^а ураётганда, нангу ном жанги авж олаётган пайтда дайди ўқ тегиб, ажалнинг аччиқ шарбатини даврон соқийси қўлидан нўш этди, шаҳодат луқмасини қазо-ю қадар қўлидан татиб кўрди ва фано бодасидан масти аласт бўлди.

Ўша вақтда қипчоқия ва қирғизия лашкарининг саромади бўлган Мулло Алимқули *амирлашкар* бўлиб, Мулло Султон мурдасини жанггоҳдан катта иззат ва афсуслар билан олиб чиқди ва ювиб, кафанлаб, катта жамоат билан жанозасини ўқиб дафн этди.

Назм:

Ба мардон зи жон беҳтар аст ному нанг,

Ба майдони ном оварон рўзи жанг.

Дар он рўз номус агар гул кунад,

Аз ин боғ мардони жанги бар хурад.

(Мазмуни:

Мардларга жондан-да, азиздир номусу нанг,

Майдонда ном чиқармоқ керак рўзи жанг.

Шул куни номус гули очилса агар,

Бу боғда фақат жангчи мардлар ўсади, бешак.)

Марғинон ичидаги *саркардалар* шу тарика жанглар қилиб, муқотала қилардилар ва қирғиз-қипчоқ жамоаларининг жонларига зомин бўлардилар. Бу ерда шатта еб, мақсадга етмасдан қайтиб кетардилар ва яна жамоат бўлиб, тоғдек виқорга эга хон устига келардилар. Яккатут чангалининг арслони ҳам аждарпайкар тўфанглар қулоғини дору ва нафт билан буриб, отарди. Оташин ўқ камонлар ўтхонасидан сакраб чиқиб, ажали етган душманларнинг дилу жигарларини тешиб, қора тупроққа чилпарчин қиларди. Аждарсурат ва тоғларни ютиб юборадиган, таъби ўткир тўплардан ҳам

³¹⁴⁷ Мирзо Аҳмад қўшбеги – 1829 йили туғилган ва 1895 йилдан кейин вафот этган. Қурама (1853), Тошканд ва Дашти қипчоқ (1854 феврал–1858 ёзигача) волийси. Мингбоши унвонида 1862-1863 йиллари Худоёрхон қўшинини бошқарган. Хўжанд (1863) ва Тошканд (1864), Марғинон (1865) ҳокими бўлган. Унинг ёзган аризасига кўра, Чимкент, Сайрам ва Авлиётада ободончилик ишларини олиб борган. Мерки ва Исфарада янги ариқлар қаздирган. Ит кечув, Манар, Карбаткан, Қизил жайли, Таш, Жулак, Чордара ва Чинозда истехком ва қалъалар қурдирган. Кейинчалик 12 минглик қўшин билан Шарқий Туркистондаги Яъқуббек давлатида хизматга кетган. 1878 йилдан Тошкентдаги Ўқчи маҳалласида яшаган.

отардилар. Оташ сочувчи ўқ учиб бориб лочиндек ўзини фитначи ва бадкирдор гуруҳ жасадларига урарди ва нопок жасадлари гардини қуёш жазирамаси остида қолиб, бутун пишган тупрокдек тўрт тарафга сочиб ташларди. Кундан кунга тўплар овози момақалдиروقдек фалакка тарқалиб кетарди. Яккатутнинг ҳар бир дарахти остидан уларнинг кўзида оташ булоғи фаввора уриб чиққандан бўларди.

Назм:

Палангони он бешаи Якка тут,
Ба сар рафти мерехтанд ҳамчу тут.
Ба як тир чандин танеро зади,
Ки ў домани охират барзади.
Дароварди ўро ажал дар сукут,
Ба як тир ажал гар расонди ба тут.
Тақарруб бикарди табоҳ гоҳ агар,
Ки месўхт рў то ба ришу бурут.

Оқибат қипчоқ ва қирғизлар гуруҳи дармондалиқ юзидан ва ночорликдан жам бўлиб, ўзаро маслаҳатлашиб дедиларки, қайси шаҳар устига борсак тўпу тўфанг ўқини ёмғирдек бошимизга ёғдириб урадилар. Муомала қилмоқчи бўлсак айтадиларки, аввал тахтни қўлга олинглар, ёки айтадиларки, бир адолатли хонни, // 98^б тожу тахтга лойиқ, насаби ва ҳасаби тоза одамни топиб дорус-салтанат уламолари ва акобирлари маслаҳати билан салтанат тахтига ўтқазинглар, ана ўшандан кейин барча вилоятлар жангу жадалсиз, ҳарбу қиттолсиз қўлларингга ўтади, муте ва тобе бўлиши мумкин. Боз устига Худоёрхон Яккатутдан кўчиб Зариламага келиб кўнибди. Эртага у Марғинонга бориб, у ерда йиғилиб қолган аскар билан қўшилиши мумкин. Икки хунхўр лашкар дарёси бирлашса ишимиз жуда мушкул ва мураккаб бўлиши мумкин. Энди биз барча жамланган қўшин билан дорус-салтанат Хўқандга бориб, бир илож қилиб тадбир ишлаб шаҳар ичига киришимиз лозим. Шаҳар аҳолиси билан тамаллуқ билан муроса қилишимиз ва уларнинг ёрдами билан ишимизни саранжом қилиш маъқул, зеро шу вақтда шаҳар ичида сипоҳ ва ишбилармон кишилар йўқ. Уддабурон ва доно кишилар, маслаҳат берадиганлар барчаси хон хизматида чиқиб, мадад бериш учун йиғилганлар. Шаҳарда қолганлар эса жанг ва жадални уддалай олмайдилар. Ҳарбу жанг асбоб-олатлари шаҳарда қолмаган ва сипоҳийлар билан бирга Яккатут ва Марғинонда. Энди бир тунда шабгир қилиб Хўқандга етиб бориб, пойтахтни олишимиз керак.

Бу маслаҳат барчага маъқул бўлгач, барча қирғиз ва қипчоқлар яқдил бўлдилар. Ўша вақтда Муҳаммадалихон авлодларидан бирини хон ўғли дея ўзларига хон кўтариб, ҳамма қирғиз ва қипчоқ аҳли саъй қилиб, нодонлик ва жоҳиллик билан унга Шохрух деб ном қўйдилар ва шу ҳолатда жам бўлишиб, иттифоқ бирла тун бошида секинлик билан ўз жойларидан кўчдилар. Қипчоқия ва қирғизия лашкари, Андижон, Шаҳрихон, Балиқчи қишлоқларидаги сартия кўшинлари, Ўш теваарак-атрофлари то Ўзканду Олой чегарасигача, икки дарё оралиғидаги халқдан тузган кўшинлари катта издиҳом бўлиб Хўқанд йўлига кирдилар. Кечаси билан тез юриб, эртаси тонгда шаҳар дарвозаси олдида келиб тушдилар. Шаҳар аҳолиси қипчоқия лашкари келиб шаҳар ташқарисида қўнганини билдилар ва аҳли вилоят фарёди осмонга кўтарилди. Улар “Худоёрхонга нима бўлдики, шунча жонбоз кучли сипоҳ, бир тўда *сарбозу* тўпу тўпчилар, шунча ҳарб асбобу олоти, бунча *надим* ва *ходимоти* билан беному нишон бўлди? Ақлимиз бунга етмайди? Зоҳиран тоғпайкар ва тамкиншиор хон катта иззат билан давлат арконлари // 99^а ва яқин аъёнлари билан Яккатутда қолганида, бу авбошлар хонни ғафлатда қолдириб шаҳарни макр ва ёлғон билан олмоқчи” деб айтдилар. Билохира вилоятнинг барча халқи иложсизликдан жим бўлиб, сукут сақладилар.

Мулло Олимқул ва барча қипчоқлар шаҳар ичига киши юбориб “Вилоят аъёнлари қози калон билан бирга чиқиб бизларни кутиб олишса яхшилик ва дилжўйлик билан шаҳарга кирамиз, илло шаҳар қалъаси деворларини вайрон қилиб, теп-текис қилиб кирамиз. Киргандан кейин сизларнинг бошларингга қандай кунлар келишини билмай қоласиз. Худоёрхон мададидан умидвор бўлсангиз, умидингизни узинг, унинг ишини саранжом қилдик. Қўшинини ўзимиз билан бирга олиб келдик. Ҳаммамиз аҳд туздик, яқдил ва якжиҳат бўлдик”, деб огоҳлантирдилар.

Вилоят аҳли бундай макру фирибига тўла қўрқувли сўзларни эшитиб: “Бу жамоа билан муроса қилиб, тинчгина уларни шаҳар ичига олиб кирайлик. Ҳақиқатни билайлик. Агарда хонга шикаст бериб, мағлуб этган бўлсалар ул вақтда жангу жадал барпо этишга ўрин йўқ, зеро барча асбобу олот бу гуруҳнинг қўлига тушган, дорус-салтанат лашкари ҳам булар билан бирлашган. Бизлар ҳам буларга мувофиқат қилишимизга тўғри келади. Шаҳар дарвозаларини уларга очиб, шаҳарга олиб кирсак-да, кирганлари билан ҳақиқатан ҳам пойтахт атрофи ва дорус-салтанат Хўқанд лашкари улар билан бирлашган бўлса, биз ҳам итоат қилайлик. Бироқ, хони некбахт ва соҳиби тожу тахт давлат

арконлари ва соҳибнусрат лашкари билан ўз қароргоҳида барқарор турган бўлса, унга киши юбориб лашкари билан шаҳар қалъасининг ташқарисига даъват қиламиз ва иттифоқ билан биз – ичкаридан, у бўлса ташқаридан бу авбош ва бебош жамоага ҳужум қиламиз. Улар чидай олмай қочиб кетадилар”, деб ўзаро маслаҳат қилдилар. Бу қарор барчага маъкул тушди.

Қипчоқ ва қирғиз жамоаларини бир қанча шарт ва қасамлар билан шаҳар ичкарисига йўл бердилар. Бу козиб ва давлатга номуносиб гуруҳнинг шаҳарга кириши билан маълум бўлдики, хони фирузбахт аскардан бирор нафари ҳам йўқ. Булар хонни ғафлатда қолдириб, тўғрилиқ билан эмас, балки ўғрилиқ йўли билан келган эканлар.

Ҳазрати Сулаймонхўжа *шайхулислом* ҳам султон аскарларини маслаҳатсиз ва машваратсиз келганларидан дарак топиб, мулозимларидан бирини махфий тарзда хон хизматига // 99^б юборди. Мазкур мулозим суръат билан йўл босиб, ўша вақтда Марғинонда ҳоким бўлган Мирзо Аҳмад ҳузурига борди. Хон Зариламага келиб тушганида Мирзо Аҳмад мулозим юбориб, риёзат тортган хон ва кўрғилиқ кўрган султон диққатига етказиб, унинг замирига фош қилди. Бу ажойибҳолат калимотни хон эшитиб, бутун фориғбол ва саранжомлик билан туриб, нусратинтизом кўшин билан кўчиб Марғинонга келиб қўнди. Марғинонда бўлган барча *саркардалар* ўзангу ўпиш шарафидан баҳраманд бўлдилар. Бу ерда бир кеча истиқомат қилиб, Марғинон (матнда Мурғинон) лашкари ва шу ерда қолган бошқа *саркардалар* билан чиқиб катта жамоа бўлиб кўчиб, Фалосон/Палосон мавзеида тушдилар. Бир кеча шу ерда истиқомат қилиб, эртаси маслаҳатойин хон ва андишали султон барча жонсупор *саркардалар* ва ишбилармон *понсадбошилар*, жами садоқатсор кўшин аъёнлари, номдор *оқсоқолларни* бирдан даъват қилиб, ҳузурига қабул қилди ва хушбаёнлик тил ва ширинзабонлик калом билан деди: “Эй салтанат хидеви розилигини кутадиғанлар! Эй карам дастурхонимнинг тузини еб уни ҳурмат қилғанлар! Кўнглимда яширинган бир сирим бор. Уни барча дурандиш давлатхоҳларим, хайриятойин намакхўрларим, хусусан алам ва заҳмат кунларида бирга азият чеккан, бесаранжом айёмда менга рафиқ бўлғанларга изҳор қилгум келар! Барча хайрандиш ва ҳурматга сазовор давлатхоҳлар мажмуи ва хосу авом гуруҳи жону дил билан қабул қилиб, чин юракдан садоқат ва сукут сақлаб турдилар. Доно ва сўзамол хон лаб варақлари тилини очиб, даҳан девонининг фасиҳ забони билан балоғатли иборот ва малоҳатли калимот орқали таблиғ қилиб арз қилди: “Айни ҳол сизларнинг гинасиз кўнгилларинг ва кудуратсиз дилларингга мандан бирор-бир малол тушган бўлса уни султонлик ишларидан деб билиб, мени маъзур тутинглар! Агарда менинг феъл-атворим салтанат ва ҳашаматга мос келмаса, умримни кароҳат юзидан ва малол тариқи билан ўтказган бўлсам, сизлардан умидим: мени шу аҳволда қолдириб, манга итоат қилишдан воз кечинглар, ҳукмронлик этагимни кўйиб юборинглар! Мен азиз бошимни Аллоҳ таоло этагига кўйиб, узлат ва хилват бурчагини ихтиёр этаман. Бироқ, қипчоқлар билан иттифоқ қилиш фикрида бўлсаларинг ва мани Хўқандга олиб бориб, асир қилсаларинг сизларнинг бадномликинги оламда тарқалиб кетади. Бизни хурсанд қилиб, рози қилмоқчи бўлсаларингиз бизни кетишимизга рухсат беринг, ўз ҳолимизга қолдиринг!”

Балоғатзабон хон оғзидан бу сўларни эшитган заҳоти // 100^а хосу ом ичидан кўтарилган фарёд мовий фалакка етиб борди. Улар тил бириктириб дедилар: “Эй султонлик фалакиннинг офтоби! Эй ҳукмронлик осмонининг оyi! Биз давлатхоҳларга нисбатан бундай гумонларни бошқа раво кўрмагин! Зеро уч ойдан бери садоқат ва жонсупорлик, азоб ва уқубат билан, тотган тузимизга беҳиёнат душман билан муқотала ва муҳораба қилиб, уларнинг аксарини қатлга етказдик ва сизни хизматингизда жонфидалиқни бажо келтирдик. Аксар фуқаро хон ризолиги йўлида ўзларини адоват оловига ташладилар. Шунча хизматларини зое қилиб, хиёнат ва бадномлиқни ўзларига раво кўрмадилар. Модомики, руҳ баданда ва жон танда, нафас даҳанда бор экан султонлик номуси учун талашиш, хоқонлик силсиласи обрўси учун каш-каш қилиш ипини қўлдан туширмаймиз! Вафодорлик йўлида жонларимизни фидо қилармиз! Аммо султони валоятпаноҳий бекина қалбини ишонтириш учун барча хосу ом, иттифоқи тамом ила бирга Каломуллоҳ кўтариб, қасам ичамиз!”. Хосу ом ва сағиру кабир иттифоқ билан Каломуллоҳни садоқати дил билан кўтариб, қасам ичиб яқдил ва яқжихат бўлдилар.

Бундай иш воқе бўлганидан сўнг хуршидназир ва софтийнат хон хотиржамлик ҳосил қилиб, бу ердан кўчди ва суръат билан йўл босиб, Оқ ер мавзеида қўнди. Бу ердан ҳам кўчиб Янги кишлоққа бориб тушиб, тўплардан ўқ отди. Дорус-салтанат фуқаролари тўп овозини эшитиб, ҳайратга тушдилар ва “қалъа ташқарисида тўп овозидан не маъни ва не сабаб! Нахотки, Худоёрхон қалъа ташқарисига ташриф буюрган бўлса? Майманатовоз тўплари садоси билан бу ер аҳолисининг кулоқларига: “қадамлари қутлуғ бўлсин” деган сасни етказмоқдами?”, деб айтардилар.

Оқибат одам юбориб саодатли хон келганини билдилар. Шафқатосор хон ҳам шаҳар ичкарасига мулозим юбориб, пойтахт фуқароларига буйруқ бериб, амр этди: “Сизлар қалъа ичкарасидан барчаларингиз қоракалтак бўлиб қипчоқларга ташланинг, бизлар ташқаридан жангга омода бўлиб, сизларга мунтазир бўламиз. Дарвозаларни қўзғалган халқ оммаси учун очинглар”.

Алқисса, ўша кечада фуқаро борди-келди қилиб, маслаҳатни бир жойга қўйдилар. Эртаси куни фуқаро баланд шовқин-сурон кўтариб, болта ва шашпарларни қўлга олиб, ҳар бир кўча ва манзилдан чиқиб // 100^б йўлларни тўсмоқчи бўлиб, ғавғо ва тўполон садосини осмонга кўтардилар. Қипчоқлар балвойи ом кўтарилишини ва Худоёрхон ҳам келиб шаҳарга бостириб кирмоқчи эканини билдилар. Жанг қилиш баҳонасида ўзларини *оломон*лардан халос этиб, Қалъа ташқарисига чиқиб олдилар. Пухтакор хон ва давлатёр султон Жадий буржининг куёши каби фуқаролар устида чакнаб қипчоқларнинг совуқ аёзини йўқ қилиб, дорул-аморатга кирди. Қипчоқларнинг *мингбоиши* Шодмонхўжа *мингбоиши* қипчоқларига қўшилиб қочиб кетди. Эртаси Мулло Алимқули қипчоқлар билан бирга Самончига бориб тушди. Ўшал вақтда Риштон³¹⁴⁸ ва Оқер фуқаролари чиқиб уларнинг йўлларини тўсдилар. Уларнинг баъзиларини ўлдириб, айримларини асирга тушириб, баъзилари эса қочиб халос бўлдилар. (Қипчоқлар) бир кеча шу ерда қолиб, эртасида кўчиб Палосон мавзеига келдилар ва учинчи куни Мурғинон устига келиб қўндилар. Мурғинон аҳолиси мураса тариқасида чиқиб уларни кўрдилар. Ўша вақтда Марғинон ҳокими бўлган Мирзо Аҳмад хон хизматига етиб келиб воқеани унинг хотирига арз қилди. Марғинонни қўлга олгач Мулло Алимқули ва барча қипчоқлар Бекмуҳаммад ҳидоячи маслаҳати билан Саритол мавзеи устига келиб тушдилар.

Ўша вақтда Бухоро амири Самарқандга келиб Худоёрхон мадади учун Алиёрбекни Ўратепа, Нов ва Қўштегирмон ҳамда Хўжанд қўшини билан юборди. Улар тез суръат билан келиб Хўқанд дорул-аморатига кирдилар. Амир *саркардаларини* шаҳар дарвозаларига тайин ладилар.

Қипчоқия қўшини ҳар куни Саритолдан Қурбон *мерган* мавзеи тарафидан кириб келиб, жангга киришардилар ва дорул-аморат йигитлари ҳам қалъадан чиқиб ғолибона жангларни олиб борардилар.

Манғит сипоҳи ҳар куни бундай жангни мушоҳада қилиб, майдонларни мақтуллардан тўла ҳолда кўриб таҳсин ва офаринлар айтардилар. Улар: “Бухоро амири ташриф буюриб, бизлардан нега қипчоқлар билан урушиб, муҳораба ва муқотала қилмадиларинг, деса нима жавоб берурмиз”, деб қолдилар. Алқисса, бир куни Бухоро *саркардалари* итифоқ билан мурувватойин хон ва пуртамкин хоқон ҳузурига кириб, тўла тавозе ва том эҳтиром билан хизмат кўрсатиш талабида бўлдилар. “Биз ризожўй мусофирларга лутф ва карам юзасидан ижозат бериб, буюрсинлар, бугунги жанг ноғораси бизнинг номимиздан чалинсин” деб айтдилар. Солимдил хон шафқат ва мурувват юзасидан дедиларки: “Эй меҳмонлар! Қалъа ичида сизларни барқарор туришларинг // 101^а сизларнинг жангларингдан яхшироқдир. Ҳайбатли тоғдек бир жойда лангар ташлаб барқарор туринглар. Сизларнинг имдодларинг бирла бу ҳудуднинг йигитлари чиқиб ҳар куни жанг билан машғул бўлиб, оқибат бу тарқоқ жамоа жонини таналаридан суғуриб оладилар. Чунки сизларнинг шу ерда барқарор туришларинг сизларнинг жангларингдан яхшироқдир”. Улар иккинчи марта арз қилдиларки, “Эй мусофирпарвар хон! Эрта-индин Бухоро амири бу ерга қадам ранжида этсалар, қахрамонлик юзасидан бизлардан итоб ва хитоб билан сўрайдиларки, сиз *саркардалар* бунча катта қоринларинг, этаги нам *маҳрамларинг* билан шаҳар ичида фароғат билан ётиб, қандай қилиб шаҳарни уч-тўрт нафар биёбоний ғулларга оёқ-ости қилишларига имкон бердиларинг? Подшоҳлик номуси ипини қўлларингдан қўйиб юбордиларинг? Энди султонлик марҳамат ва лутфи кўрсатиб биз камхизмат, вале кўп садоқатли мусофирларга рухсатни дариф тутмасдан хизматга маъмур этинг! Амир савол берган вақтда жавобида ожиз қолмайлик!”

Шафқатойин хон ва мурувватли султон уларга рухсат бериб кузатди. Барча манғития ва юзия йигитлари мукамал ва мусаллаҳ бўлиб, қалъадан ташқарига чиқдилар ва жангни кутиб сафларини ростладилар. Талаш ва савашга омода бўлиб барқарор турдилар. Уларга қарши қирғизия ва қипчоқия жамоаси лашкарининг шери нарлари ҳам сафларини ростлаб тез жангга киришдилар. Шу куни дорул-аморат йигитлари манғития аскарлари орқасидан урушдан ўзларини тийиб, мабодо бу ғолибона жангда манғитияга бирор шикаст етказилса, мадад беришга ҳозир ва нозир ҳолда барқарор турдилар.

Бирдан қипчоқия лашкари оч бўрилардек, ўзларини манғитияга урдилар ва ғолибона урушни бошладилар. Кўшиш ва кўшиш касратидан манғитлар паришон бўлиб, бу кутилмаган балодан қочиб қалъа ичига кирмоқчи бўлдилар. Бундай заифликни манғития йигитларидан зоҳир бўлишини дорул-аморат ботирлари мушоҳада қилиб, уларнинг ғайрат томирлари ҳаракатга келди ва жанггоҳнинг

³¹⁴⁸ Рашидон/Риштон мавзеси – Фарғона вилояти Риштон туманидаги шаҳар (1977 й.дан). Туманнинг маъмурий маркази. Вилоятнинг ғарбида, Сўх дарёсининг ўнг соҳилида, Қўқон-Фарғона автомобиль йўли ёқасида жойлашган. XVIII асрда мустаҳкам қалъа бўлган.

атрофидан чиқиб, ўзларини жангнинг энг қалбида бўлган қипчоқларга шундай урдиларки, кичик қиёмат воқе бўлганга ўхшади.

Назм:

Дар он вақт овози тиру тўфанг,
Ба гўши малоик расонд жўши жанг.
Жавонони фархунда жангжў,
Ба душман ба дасташ найза шуд рў ба рў.
Зади найза бар синааш бе хилоф,
Гузар карди аз пушт ў ин на лоф.
Ба тиру тўфангони хоро шикоф,
Зади карди ў бар ажал эътироф.
Ба шамшерҳое, ки чун аждаҳо,
Зади ки шуди ў аз думаш раҳо.
// 101^б Табарзан ба сар жилва дода табар,
Ҳамезад, ки мешуд гаҳ жудо тан зи сар.
Ҳар он мурда афтод аз зарби тир,
Қумоши варо баргирифти фақир.

Тўпу тўфанг овозидан, жангнинг “ур, тут” ғулғуласидан шаҳар қалъаси ичига васваса тушди. Кабиру сағир шаҳар қалъасининг устига чиқиб икки тарф жанги томошаси билан машғул бўлдилар. Дорус-салтанат фуқаролари ўзларини қалъа устидан пастга ташлаб, рахналар, хандақ ва ғовлардан сакраб ўтиб чалажон ва яраланган душманларнинг оту аслаҳаларини олиб, таваккулчи хон хизматига етказардилар. Бошқа бировлар эса ўлганларнинг қуролларини олиб мазкур хонга берарди.

Алқисса, икки соатлик жанг натижасида душманни олдиларига солиб, қўшларигача қувиб бориб, қайтиб келдилар. Карамшиор ва шафқатосор хон хизматига келиб тиз чўкдилар ва остонабўслар қаторида осмонпоя боргоҳ ери тупроғига қуллик юзларини суртдилар ва ифтихор бошларини ложувардий гунбазга етказардилар.

Сахий ва баракотли хон султонлик карам ва хоқонлик мурут билан бурчани ҳузурига қабул қилди ва хусравоний лутф ва хоқонлик карами билан ҳар бир мусофир манғит ва юзни фоҳира либослар билан уларнинг ифтихор бошларини кўк чарх авжига етказиб, сарафроз этди. Улар султон ҳузури ва хоқон мажлисида хумоюн олий диққатига қипчоқия билан сартиянинг олиб борган жангу жадаллари ҳақида сўз бошлаб арз қилдиларки, “Жаҳонпаноҳо! Бу иккала гуруҳ қипчоқ ва сартия паҳлавонларига аҳсан ва офаринлар бўлсин! Умримиз бино бўлибдики, бундай рангда қонли жанг, бундай равишда қилич уруш ва ботирликни на кўрдик ва на мушоҳада қилганмиз. Биз сартия йигитлари олдидан пешжанг бўлиб, муқаддам равона бўлганларимизда амир давлатидан мағрур ва султон имдодидан пуртакаббур бўлиб, мушук ботирлигига ўхшаш диловарлик ва тулки макрига ўхшаш фирибларимиздан кибр-ҳавога берилдик ва ул биёбоний шердиллар ва Андижоний арслонларга қарши бориб, урушга омода бўлиб турдик. Бизга қарши қипчоқлар гуруҳи келиб, сафларини ростлаб турдилар ва сафларимиз орасига бирдан содда жайдари қўйларга оч бўрилар ташлаганидек ўзларини урдилар. Биз умид қилардикки, улар бундай ботирликка журъат қилмай, орқага қайтиб кетадилар, амир ва унинг лашкари ҳурматини жойига қўйиб жангга киришмайдилар. Бироқ, биз уларнинг амир қўшини йўлини тўсиш уддасидан чиқишларини билиб, номус юзидан ва иложсизликдан // 102^а жангу талаш ва ҳарбу савашга киришдик. Рўпара ва қарши тушиб, бир-биримизга ташландик, урушиб, ўлдирдик. Иш бизга оғир бўлганини тушуниб, тум-тарақай бўлиб тарқалдик ва битта-биттадан келиб туғ остида йиғилдик ва камону тўфанг ўқлари зарбидан, минг азоб ва машаққат билан қутулиб, халос бўлдик. Шу аҳволда тушганимизни орқамизда турган дорул-аморат сартия йигитлари мушоҳада қилишиб, камон ва тўфангларини ўқдан тўлдириб, найзаларини кўтариб ҳайқирганча самандардек ўзларини қипчоқларнинг ўқ ва тиғ олови дарёсига урдилар. Қонхўр шамширлари зарбидан мақтуллар қонини ҳавога сачратиб, ерга тўкардилар. Найза зарбидан икки тараф қахрамонлари бир-бирларининг кўкракларига сичқон инига ўхшаб тешиб, туйнук очардилар. Дилни тикувчи тўфанг ўқлари душман дилу жигарини деҳқон ғалвири ва ари уясига ўхшатиб қўярдилар.

Назм:

Девон ба якбораги карданд ғулу,
Давонида аспони зи ҳар чорсу.
Ба даст тиғҳо ҳамчунон барқи тез,
Бикарди ду нима расанд ду ба ду.

Бикарди ба як зарб сина шикоф,
Бар он каш шуди найазан рў ба рў.
Ба тиру тўфанг мезаданд бар жигар,
Ҳамерафт хун аз даҳону гулў.
Агар мешуди Тўру Афросиёб,
Биканди дуйи он ба даст ришу рў.
Бидиди ҳазбарони Фарғонаро,
Ки чун тиг бурранда тунд хў.
Чу рўбоҳ палангони эрониён,
Шуди дум бижумбонда дум дар гулў.
Чунон рехтанд хун, ки дар ин замин,
Зи хокаш фалак ожиз омад аз шусту шў.
Ба ҳар сў равон гашт хун он замон,
Пур аз хуни адувон шуди наҳру жў.
Ту авсофи мардони ин мулк,
Ба бози аз ин беш акнун мағў.

Охир ул-амр қипчоқлар гуруҳини дорул-аморат йигитлари қўшларигача қувиб бориб қайтдилар. Мусофирлар номусини ҳимоя қилдилар.

Марҳаматпаноҳ хон манғит мусофирлари сўзларини эшитиб, табассум ва кўнгилхушлик билан бекина хотиридан ўтказдики, ўзларингдан бохабар бўлинглар, бундан-да, аҳволларинг баттар бўлиши мумкин. Яхшиям бу вилоят халқига сизларнинг номард эканлигингиз маълум бўлди. Хон уларнинг ҳол ва мақомларига мос равишда меҳрибонлик кўрсатди, фоҳира либослар кийгизди ва уларни ўз истеҳкомларига бориб туришлари учун рухсат берди.

Мулло Олимқули ва қипчоқлар гуруҳи Бухоро амирини Хўжандга келишидан хабар топиб, унинг йўлини тўсишни Кали Мингбойга буюрдилар. Мингбойи // 102^б мазкур амир билан Конибодом³¹⁴⁹ да рўпара бўлиб, кўркувидан орқага қайтди ва амир яқинлашаётганини қипчоқларга етказди. Бу ваҳшатасар хабарни эшитиб, маслаҳатга тушдилар ва “амир келиб Хўқандга тушгунча шу жойда барқарор турайлик. Ундан кейин аҳволга қараб кўчамиз”, деб қарор қилдилар. Амир келиб пойтахтга киргунча, шу ерда бир-икки кун турдилар ва амир шаҳарга кирган куни Мулло Олимқули барча қипчоқ жамоаси билан Саритолдан секин кўчиб, Дўрманча мавзеига келиб қўнди. Бухоро амираи ҳам эртаси куни уларни қувиб, ўзидан олдин Хўжакалон Қошғарийни Андижонда ҳоким тайинлаб юборган эди.

Амир қипчоқлар орқасидан қувиб бораётганида қипчоқлар икки тош олдинроқ юрардилар. Оқибат қипчоқлар Ўзганд³¹⁵⁰ йўлига кириб, Қора Гулжа даҳанасига бориб қўндилар. Амир ҳам келиб Қорасу мавзеида тушди ва бу мавзени талон-тарож қилишга буюрди. Сўнгра кўчиб Ўзгандга келиб, Ўзгандни ҳам талон-тарожга буюрди. Қипчоқлар Қора Гулжа даҳанасига кириб яшириндилар. Амир, бир-икки кун шу ерда туриб, иложсизлик ва дармонсизликдан элчи юбориб, мулойим ва ширин сўзлар, марҳаматойин поралар, хусравона лутф ва шоҳона карам билан қипчоқларни сийлади, уларга кўп ваъдалар ва бисёр илтифотлардан мужда бериб, ўз итоатига даъват қилди. Яна уларга: “бу мулк хонзодаларидан кимни хоҳласалар хонликни унга нисбат берамиз”, дея ваъда берди.

Алқисса, амир элчиси бориб, амирнинг айтганларини қипчоқлар гуруҳига баён қилди. Улар султоний руқъани фармонбардорлик қоидаси, посбонлик расми ва одобу услуби, тавозеинтизом ахлоқи билан икки адаб қўллари билан элчидан олиб, жаҳонбин кўзларига сурмадек суртдилар. Шундан кейин Мулло Юнусжон *муниший* қўлига бериб, унинг мазмунидан огоҳ бўлдилар. Мулло Олимқули, Бекмуҳаммад *парвоначи*³¹⁵¹, Шодмонхўжа ва барча қипчоқлар гуруҳи билан тил бириктириб амирга бундай жавоб бердилар: “Эй хайриятфикрли элчи! Эй маслаҳатойин миёнчи! Амирга нима керак эди, шунча шавкат ва ҳашамат, бунча салтанат ва рифъат билан ўзбекларнинг тўқсон икки тоифасининг энг камтар қабилаларидан ортиқ бўлмаган бизларнинг орқамиздан қувиб, бизларга қарши бўлиб, шунча шаҳаншоҳлик асъасаси ва подшоҳлик дабдабасини бу тошлоқ дашт ва танг тоғларда кўрсатиб, боргоҳининг хайма ва хиргоҳи ва саропардасини бу ерда барпо этибди?! Қўллари қисқа бўлганларнинг қўли Сурайёдан баланд бўлган ва чарх билан тенг ва кадри кўпроқ

³¹⁴⁹ Конибодом – Хўжанд-Қўқон йўлида жойлашган шаҳар. Ҳозир Суғд вилояти (Тожикистон)даги туман маркази.

³¹⁵⁰ Ўзганд – Ўзгенд – Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги Ўзген тумани маркази. Қорадарёнинг ўнг соҳилида жойлашган.

³¹⁵¹ Бекмуҳаммад додхоҳ – шайбон оғи 1282/20 декабр-1866 йили 18 январ вафот этган. Қипчоқларнинг етти кашқа уруғидан. Муҳаммадназар Кўрўғли ибн Санжар баҳодирнинг бобоси, Холмуҳаммад додхоҳнинг отаси. Шаҳрихон (1842–1852), Чуст (1860–1861), Андижон (1865) ҳокими. Бир муддат Қўқонда хон бўлган Худойқулининг мингбошиси бўлган (июн 1865). Худоёрхон учинчи марта тахтга чиққанида (июл 1865) 3–4 минг қирғиз ва қипчоқлар билан Шарқий Туркистонга кетган.

бўлган тождорлик обрўси, анбиё ва хулафодан кейин халойиқ оммасидан устун бўлган мақоми ва мартабаси, даргоҳининг баланд ҳалқасига етмайди. Азиз бошини биздек жондан тўйган кигиз киядиганлар ва дўғ ичиб юрганлар ўқиға нишон қилдириб, тенглашиш салтанатпаноҳлар савоб тадбирларига асло тўғри келмайди ва маслаҳатогоҳ ақлидан узок кўринади. Ажаб эмас, Зафарбахш Султон ва бўқаламуннақш Тарроҳ бениёзлик лутфи билан бир тутум тупрокдан ҳам ортиқ бўлмаган бизларга мадад бериб, ёри қилса. Оқиллар кутурган девона итни кўрсалар этакларини тортишгани маълум. Султон паноҳий жаноблари умид билан, бағоят марҳаматлари ва бениҳоят карамлари юзасидан бизларни сарафроз этиб, бизларни ўзларининг ҳумоюн хизматларига тарғиб қилибдилар, итоатимизни талаб қилибдилар. Шундай қаҳру ғазабда бўлган пайти бу гуруҳни бориши ақлу ҳикматдан узокдир. Чунки замона подшоҳи азият чекиб, тоғу дашт аро бизларни орқамиздан қувиб, ташрифи қадамлари билан бу ҳудуд ерларини мушарраф этибдилар. Агарда бу ерда бандалик ҳалқасини кулоққа тақиб, итоат тавқини елкага ташласак бу барча бош эгишларни қаҳрамонлик қаҳру ғазаб шиддати ва султонлик тиғи зарбасидан деб биладилар. Бу ҳолатда бизнинг итоат ва фармонбардорлигимизда бир зарра вазн ва қадр қолмайди. Аслида, бизлар ҳумоюнний остонасини ўпиш ва салатанатпаноҳий даргоҳининг хоқини ялаш шарафига мушарраф бўлиш учун Маҳрам, Беш ариқ ёки шаҳар ташқарисига чиқиб, қиличларимизни бўйинларимизга осиб, фалакменгзар даргоҳ остонасига ўзимизни ташлаб, истиқбол қилишимиз лозим эди. Энди эса инсонгарчилик доирасидан ташқари бўлган шунча беодоблик бизлардан содир бўлдики, чиқиб учрашиш тўғри келмайди. Ҳазратдан умидимиз шулки, хато ва гуноҳлардан ўтиб, марҳамат кўрсатиб зафаржиловли от жилловини бу ҳудуддан бурсинлар. Бизлар ва жаноблари орасида қаттиқ адоватга сабаб бўлган Худоёрхонни ўзлари билан олиб кетиб, ўрнига бошқани қўйсинлар. Ўзлари катта давлат билан қайтсинлар. Биз ҳам аҳволимизга мувофиқ, баҳоли қудрат пешкаш тортиқларимизни омода қиламиз ва // 103^б орқаларидан Марғинон ёки Хўқандга етиб бориб, баландасос боргоҳларида остонабўслик бахтини топармиз”.

Алқисса, ёғли сўзлар ва ширин каломлар билан элчини қайтардилар. Элчи ҳам асъасакирдор ва китобатосор эшитган сўзларни келиб амир хизматида бир-бир арз қилди.

Ўша вақтда амирнинг аҳволи кўшин таъминоти жиҳатидан анча оғир ва макон танглигидан жуда танг ҳолатга тушиб, тор ва нотекис тоғ йўли билан келгани боис, ноиложликдан ва тангмаошлиқдан қирғизия ва қипчоқия қавмлари билан муроса қилди ва буни зафар деб билиб, қайтиб Қорасуга келиб тушди. Қипчоқия гуруҳи Ўзгандга келиб амир ўрнида қўним топдилар. Оқибат амир қипчоқларни қувишдан воз кечиб суръат билан юриб дорул-аморат Хўқандга келиб кирди. Қипчоқ ва қирғизлар амирни суръат билан бориб Хўқандга кирганини билиб, улар ҳам Марғинонга келиб кирдилар.

Шодмонхўжа Тошкандий қипчоқларнинг *мингбошисини* Тошкандга ҳоким қилиб Марғинондан юбордилар. У ҳам суръат билан йўл босиб, Тошкандга кирди ва ул мамлакат ҳукуматини тасарруф қўлига олди.

Амир қипчоқларни мағлуб бўлмаганлари ва Худоёрхонни у олиб кетишидан Хўқанд фуқаролари кўзларида ноошнолик пайдо бўлишини пайқаб, макр йўли билан Тўрақўрғон қипчоқлари билан жангни баҳона қилиб, шаҳар ташқарисига Қўтир қипчоқ дарвозаси орқали чиқди ва дарвоза олдида қўш урди. Тун охирида у ваҳимага тушиб, беиболик ва шошилиш билан бу ердан кўчиб, Худоёрхонни олди-да, Бухоро сари шабгир (тунги хужум) билан кетди. Унинг таърихини мана бундай топиб назм риштасига тортдим:

Шаҳе, ки ёр шуд ўро Худо нагардад хор,
Агарчи танг шавад рўзи ў шашу ҳафт.
Ҳар он, ки ўро дар азал бикарданд азиз,
Ки оқибат биншонанд ўро ба фарқи тахт.
Шаҳе, ки нияти он бар ғалат рақам бикашад,
Ба рўйи худ бикуюшад дар амал дари вақт.
Ду бора омада бар қасди мулки Фарғона,
Расида шуд бе шубҳа сараш ба кўҳи тахт.
Зи фарти давлати худ омада дар ғурур,
Ба қасди мардуми кўҳсор ў кашида рахт.
Бирафт ва дид далирон аз баландии кўҳ,
Ҳамезаданд ба тире, ки оташу нафт.
Ақиб гашт аз он жо дасти иқбол,
Кашида ваҳшат аз онҳо бидида авжи тахт.

Қабул карда суханҳои он жамоаи амир,
Биканд решаи номуси худ ба сони дарахт.
Чи корҳо ки накард дар ҳақи шаҳи ин мулк,
Зи кардаҳои худ омад ба пеш рӯзи сахт.
//104^a Бигў таърихи шоҳи Бухоро рафтани он,
Зи баҳри бурдани хон “ривожи манғит” рафт.
Сана 1278/1861–1862.

Маълум бўлсинки, “ривоҷ”ни “манғит” лафзидан исқот қилсалар таърих ҳосил бўлади.

Бухоро амири қайтиб Бешариққа келиб кўнган вақти Шоҳмуродхонни Бухородан қайтариб олиб келиб, хон кўтариб ўзларига тобе ва боғлиқ қилиб қўйдилар. Амир буйруғи билан у келиб дорул-аморат Хўқандга кирди. Дорус-салтанат аъёнлари биргалашиб айтдиларки, Бухоро амири бу мулкни саранжом қилиш удасидан чиқмади ва шошилинич, мақсадга эришолмай чиқиб кетди. Энди эса бошимизга беҳуда ғавғо солмоқчи. Яхшиси Шоҳмуродхон қипчоқлар олдига бориб, улар билан тил топсин ва уларнинг маслаҳати ва имдодлари билан салтанат тахти ва амирлик тўшагига ўтирсин. Мулк аъёнлари маслаҳатини олган Шоҳмуродхон буни тўғри деб билди ва қипчоқлар тарафига юзланиб, юриш жilовини бурди. Қипчоқия ва қирғизия кўшинининг сардори Мулло Олимқули амир лашкар Шоҳмуродхон етиб келиши билан унинг ёшлиги ва ёлғизлигига шафқат қилмасдан қатл этди. Сўнгра ўзларига вақтинча хон кўтарган Шоҳруххон деган кимсани ҳам ўлдирди. Маллахоннинг ўғли Саййид Султонни Марғинонда хон кўтариб, Хўқанд сари равона бўлди.

Икки кундан кейин дорул-аморат Хўқандга келиб кириб, Маллахон ўғлини тахт устига ўтқаздилар. (Қипчоқларнинг) ҳар бири Мулло Олимқули амир ул-умаро ихтиёри билан амалдор ва мансаб соҳиби бўлиб олдилар. Мулло Олимқулини иккинчи марта амири лашкар қилиб, мамлакат ва ҳукмронлик жilовини унинг қўлига бердилар. Мулкдорлик ишларини бу ўзбилармон ва андишасиз одам одобсизлик ва ўжарлик билан ижро этарди, салтанат ишлари ва аморат заруратида бирор муаммо пайдо бўлса уни ноҳинжорлик ва дағаллик, ғафлат ва ҳаботат билан ҳал этарди. Унинг хулқида сиёсат шафқатдан устун эди. Ҳарифмизоҷ, золим бир киши эди. Беҳиммат, фақат ўз қавми маслаҳатини тан оларди. Озмунча хатолик учун ҳам қаттиқ сиёсат қиларди. Олдинги номдор кишиларни унутиб, уларни гумдонлик бурчагига ташлади. Паст ва суфло одамларни сарбаланд қилиб, шаҳриёрлик маъракаси тўрида ўтирганлардан ҳам устун қилиб, уларни соҳиби қадр ва манзил қилди. Инсон ҳақиқа нозил бўлган “Халақал-инсона мин тафовут”³¹⁵² (инсонни фарқли қилиб яратди)ни хотиридан унутди. Бетартиблик низоми ва ажойиб эҳтишомни султонлик корхонаси ва хоқонлик даргоҳида жорий қилиб, олдинги султонлардан қолган тартибларни бекор қилди. //104^b

Назм:

Он, ки ўро ба асл шоҳи нест,
Бар сараш зеби тождори нест.
Дасти Ифрит ёфт гарчи нигин,
Чун Сулаймон дастгоҳе нест.
Гарчи бар дар пур аз худаму ҳашам,
Бошадан низ пайдори нест.
Рутбаи мулкдори ҳамчу сипехр,
Бар баланд жойи хоксори нест.
Хок агар пояи ҳаво гирад,
Жуз нести дар ашъоре нест.
Сифлагон ҳамчу анкабут ба сақф,
Гар кунад жой худ мадоре нест.
Ин ки дар майхўри нек зарф аст,
Гар ба давлат расад қароре нест.
Эй Киромий, диди ту вазъи даҳр,
Дод Ҳақ, бар кас ихтиёре нест.

Шу пайтда насоро аҳли вақтни ғанимат деб билиб, Дашти қипчоқ қалъаларини олиб, ўзларининг мурдор юзларини Туркистонга бурдилар. Мулло Олимқули Дашти қипчоқдаги тўс-тўполонни эшитиб, Тошканд сари азм этди. Суръат билан йўл юриб Тошкандга кирди ва Шодмонхўжани қатл қилди.

Назм:

Чи гўям ман аз мардуми фитнажў,

³¹⁵² Қуръони карим, 6:165.

Ки аз шумияш куфр шуд рӯ ба рӯ.
Ки ин мулкро қавми торик насаб,
Биандохт бар сар зи ғавғо тааб.
Бикарданд ғулув мардуми дўғнўш,
Бар ин мулк халқони холи зи ҳуш.
Зи гўшае шўри қиёмат асар,
Даровард дар ин мулки Фарғона сар.
Бикарда ғулув мардуми бадғуҳар,
Ки чун хас нишастанд бар рўйи баҳр.
Гирифтанд ба даст риштаи салтанат,
Зи пайвандаш ожиз шуданд оқибат.
Дар ин раҳ бидоданд ҳама сар ба бод,
Ки нокарда кор он торикзод.
Сазад шоҳи бошад касе бо намак,
Магар шоҳ бошад падар ё амак.
Шаҳеро ки жадду падар шоҳ нест,
Ба аҳкоми ў ҳиллаи дилхоҳ нест.
Катми васф дар он шоҳи замон,
Ки яъне ба номи ў Худоёр хон.
Ки охир даромад ба мулки падар,
Надид ў зи ободи дар мулк асар.
На асбобу олот, (на) тўпу тўфанг,
Тиҳи аз хазина асбоби жанг.
Гурусна шуда жумла дар печутоб,
Бигардида мулку раия хароб.
Бидонист аҳволи ин мулкро,
Ба роҳи мувосо бикард рўйро,
Ба душман мувосо мурувват ба дўст.
Бикард лутфи Ҳақ холиё рӯ ба рўст.
Илоҳо ту ки давлаташ пойдор,
Ҳамеша ба тахти шаҳи деҳ қарор.
Киромий, дуо кун дар ҳақи шоҳи худ,
Кун ту агар роҳ ёби ба суд.

Бир неча кундан кейин Нормухаммад Зодиёнийни Тошканд *волийси* этиб, мутақаббир ва худписанд Давлат тожикни Туркистонга *ҳоким* қилиб, Мулло Олимқули қайтиб келиб Хўқандга кирди.

Ул ўзбилармон тожик, элотия элининг танг аҳволини кўриб, // 105^a икки кунлик ҳукуматидан мағрур бўлди ва Туркистонда бўлган сартия халқидан бир гуруҳини йиғиб, Туркистон атрофидаги элотия халқи устига юриш ва талон-тарож қилишни буюрди. Ул ёмон ниятли ва оқибатни андиша қилмайдиган золимнинг қабих ишларидан Туркистон атрофидаги барча элотия ва қозоқия халқи ул зулмшиор ва кибросор ҳукми итоатидан юз ўгириб, урусия ҳукумати иштиёр қилдилар.

Назм:

Адлу инсоф дон на куфру на дин,
Он чи дар ҳифзи мулк даркор аст
Адли бе дин низоми оламро,
Беҳтар аз золим шоҳи диндор аст.
(Мазмуни:
Мулкни адлу инсоф ила сақлаш учун
Билгин на куфр лозимдир, на дин,
Динсиз оламини адолат ила тартибга солиш,
Шоҳи золимдан яхшироқдир, шуни ҳам билгин).

Оқибат, бу ҳисор ён-теварагидаги барча қозоқия, бу ўлканинг жами элотия халқи ул золими ўзбилармоннинг шумлигидан аҳли насоро тахти тасарруфига ўзарини олдилар. Бу вилоят ҳокимларининг ноҳинжор ва нотўғри ҳукм суришларидан бу диёрнинг аҳолиси урусия лашқари сардорларига хат ёзиб айтар эдиларки, “Туркистон қалъасидан ташқари унинг барча ерлари сизларнинг қўлларингга ўтган. Мовароуннаҳр султонлари орасида қаттиқ адоват юзага келган.

Бухоро амири Фарғоназамин пойтахтининг хонларини қўл остига олиб, улардан баъзиларини қатл қилди. Бутун Фарғона мулкини ўз тахти тасарруфига киритди. Яқинда чумоли аждар ва арик денгизга айланади. Иккинчидан, иккала пойтахт лашкарини Қўхистон қўшини билан бирга боши Тибет ва кети Қандаҳор, орқаси Ҳиндистонга қўшилиб кетган ҳудудларда бирлашишлари айни шу иккала пойтахт Бухоро ва Хўқанд иттифоқи билан боғлиқ. Сизлар қўл узайтириб, бу ерларни босиб олишларингиз аҳли ислом султонларининг иттифоқсизликлари касофатидан ва маслаҳатсизликларининг шумлигидан бўлмоқда. Боз устига беному нишон кишилар бу иккала даргоҳ эшигига йўл топиб, обрў топганлар. Булардан маслаҳат кетган, ҳамиятлари ва жамиятлари тикланмасдан фурсатни ғанимат деб билиб, бутун Дашти қипчоқни ўз тасарруфларингга олиб, Тошкандга кириб боринглар. Бу иккала пойтахтнинг аҳволи жуда оғир кечмоқда, қийин кўринган ишларингиз айни вақтда осонлик билан ўз ечимини топар. Шу вилоятда ўз ишларингизни саранжом қиласизлар. Агарда дарё кемаларини ҳам ўз қудратли қўлларингга олсаларинг, йўлларни тўсиб қўйсаларинг // 105^б бу иккала пойтахтга борувчи ва келувчиларидан вилоят аҳволини фош қилиб, билиб оласизлар ва Мовароуннаҳрдаги бу вилоятларнинг фатҳи осонгина амалга ошади”.

Қозоқия жамоаси ва андия гуруҳининг бундай шўрангез сўзлари ва фитна солувчи мақолалари насоро лашкарини шовқин-суронга солиб, Жўлакдан Туркистон устига олиб келди. Урусия лашкари етиб келиши билан Мирзо Давлат Туркистонни ташлаб, Тошканд сари йўл бошлади. Авлиёотанинг шарқини ҳам урусия лашкари жангу жадал билан ўз тасарруфига киритди. Охир ул-амр Дашти қипчоқнинг энг шарафли қалъаларидан бўлган Туркистон ва Авлиё ота бир йил деганда насоро аҳли томонидан фатҳ бўлди. Куфр зулмати Дашти қипчоқни торикстонга айлантирди. Ҳазрати Султон ва Авлиёотани, Аллоҳ уларнинг қабрларини мунаввар этсин, (насронийлар тарафидан) олиш таърихини бу фақир мана шундай топиб, назм ипига тортиб, китобат толасига киритган.

Назм:

Дар азал ҳар чи қалам аз сурати ашё кашид,
Аз адам омада сар бар олами пайдо кашид.
Фатҳу нусрат бахшиши Ҳақ аст бар ислом куфр,
Бениёзиҳои ў аз ҳар ки хоҳад во кашид,
Дар ҳузури мажлиси Мўсо бикард ў баҳрро,
Зери фармони саге Фиръавн, ки шитто кашид.
Оқибат он баҳр чун аждар ба қилоби нафас,
Жумла қибтиро ба Фиръавнаш ба иштиҳо кашид.
Эй Киромий куфр чун шаб оқибат аз нури меҳр,
Хоҳад ҳамчун нисфи рўз соя зери по кашид.
Ҳотиф аз ғайбат бар ман баҳри таърихаш бигуфт,
Дар гирифт куфри ду мавзеъ “фароғат” “по” кашид.

Олийгуҳар ва баланд мақомли кишиларга маълум бўлсинки, “фароғат” сўзининг оёғи “те” ҳарфидир. Уни исқот қилганда таърих 1271/1854-55 йил ҳосил бўлади.

Ҳазрати Султон ва Авлиёота босиб олингандан кейин, Нормухаммад *додхоҳ* Хўқанд дорул-аморатига киши юбориб, Мулла Алимқулини воқиф ва огоҳ қилди. Бу ваҳшатасар хабарни у эшитиб, бошидан ҳуши учди. Барча қўшинни йиғди ва ён-атрофларга мулозим юбориб, андак кунда дорул-аморатда қўшин йиғилди. Шошилинич ва шитоб билан чиқиб Дашти қипчоқ сари юзланди. Тез суръат ва паришон хотирлик билан йўл босиб, тез орада Тошкандга етиб келиб, Мингўриқда тушди. Қўш ургандан кейин, // 106^а у урусия лашкарини жам бўлиб, Авлиёота ва Туркистондан чиқиб, икки тарафдан Чимкент вилояти қасдида келаётганини эшитди. Мулло Алимқули Тошканддан чиқиб дорул-аморат қўшини билан Чимкент сари равона бўлди. Йўл босиб бўлиб, Чимкент ичига киргани билан насоро лашкарини икки тарафдан Чимкент қасди учун йўлга чиқиб, ҳали етиб келмаганини билди. Насроний лашкарининг Туркистондан чиқиб келган бир гуруҳи Оқарикқа тушиб, Чимкентни олиш ниятида турган эди. Эртаси эрталаб барча қипчоқия, қирғизия ва сартия қўшини туриб руслар устига етиб келиб, жангни бошладилар. Бу жангда Абдуллоҳ *понсадбоши* шахидлик шарбатини ичди. Ислом қўшинининг аксар йигитлари шахид бўлдилар. Икки орадаги жангдан сулҳ тузиб, орқаларига қайтдилар. Авлиёотадан келаётган насронийлар Туркистондан келган диндошлари билан Чимкент яқинидаги Эски Чимкентга келиб тушдилар. Мулло Алимқули насоро лашкарини келиб бирлашганини ва яқинроқ жойда, чорак тош масофада, Чимкент яқинидаги Эски Чимкентга тушганини кўрди. Эртаси туриб ўз қўшинини ростлади. Ислом қўшини бир майдонда пиёда бўлиб, маслаҳатдан холи Алимқули буйруғига биноан насронийлар лашкарига қарши урусия лашкарининг тўпу тўфанг ўқига нишон бўлиб турдилар. Аҳли ислом диловарлари иттифоқи тамом билан аҳли нифоқ устига югурдилар. Бир ўқ тегадиган масофа қолганда насоро лашкари ўз камонларидан

бараварига ўқ отдилар. Аҳли исломнинг “такбир” ҳайқириғи фалакул-афлокка кўтарилиб, тўққиз табак фалакнинг малаклари авжига етди. Шаҳидлар руҳининг фавжи жаннат ул-маъвонинг қудсий кабутарлари каби гуруҳ-гуруҳ учиб, юқори оламга кўтарилдилар. Шаҳидларнинг латиф жисмлари тийра тупроқниким, “Фаттахҳару”(Покланинглари)³¹⁵³ ояти улар учун нозил бўлган, ихтиёр этдилар ва мазали шаҳидасар ажал шарбатини даврон соқийси қўлидан олиб ичдилар, “фа удхули фи ибодий ва адхули жаннотий”³¹⁵⁴ файзидан баҳраманд бўлдилар.

// 106^б Оқибат ул-амр аҳли насоро тире тўфанг ёмғирининг жоладек ёғишидан ва даранг-дурунг яшиндек чақнашидан у жанггоҳда ажал денгизи қайнаётганида улар шу куннинг қисматида бемаҳал маҳрум бўлдилар. Русия лашкарига қарши бир қадам қўйишга мажол ва туришга мадор қолмади. Ночорликдан ҳамма бирдан ерга ётиб олди ва текис заминни улар яшириш жойга айландирдилар.

Бу ҳолатни бахти қайтган, маслаҳатсиз ва бағри қаттиқ бўлган Мулло Алимқули билиб тушундики, аксар ишга лойиқ муборизлар, уддабурон ишбилармонлар насронийлар билан бўлган бу жангда талаф бўлиб, шаҳид кетдилар. Мулло Дадабой *махрамбошии* Андижоний шу жангда шаҳид бўлди. Бу азим иш Ҳайи қадим тақдири билан амалга ошган эди.

У ночор мулозим юбориб, йигитларни жанг майдонидан қайтарди. Насоро лашкарининг сардори ҳам шаҳидлар мурдаларини олиш учун ижозат берди ва ўзи Чимкент сари равона бўлди. Ислом лашкарини назарга илмай Чимкент шаҳрини олиш учун қасд қилди. Рус лашкарини икки тарафидан ислом қўшини қуршаб олиб, бир ўқ тегадиган масофада туриб борардилар. Шу аҳволда Чимкент устига етиб бориб, қалъани қаттиқ тўп ўқи остига олдилар.

Ўша вақтда Жомадор Афғон³¹⁵⁵ – дорул-аморат *ноиб*, пойтахт *тўпчиларига* буюриб тўпларни насоро тўпларга қарши узунасига жойлаштириб, ота бошлади. Урусия лашкари отишмани бирор-бир оврупалик, оврупоча усулда ташкил қилган деб гумон қилдилар ва шу ҳолатда тўп ўқларидан жондан тўйиб орқага қайтдилар. Ўша кечаси ислом лашкари Чимкентга кириб, эртасигача ухламай қалъа мудофаасида ғайрат кўрсатди. Эртаси эрталаб мулозим юбориб, насоро аҳлини ўша тунда қайтиб кетганидан хабар топдилар. (Алимқули ҳам) Тошкандни Мирзо Аҳмадга бериб, бир неча бошқа *саркардалари* билан олдинга *илғор* юборди. Алимқули дорул-аморат қўшини билан Тошкандга келиб бир неча кун шу ерда истиқомат қилди ва азимат жоловини пойтахт сари бурди. Бир неча кунлик йўлни босиб келиб, дорус-салтанатга кўнди. Бир минг икки юз саксон биринчи йили, киш бошида яна Тошканд сари азм қилди. Суръат билан йўл босиб Минг урукка бориб тушди. Бир неча кун бу ерда истиқомат қилган вақти қипчоқ ва қирғизлар таъна ва маломатдан сўз очиб айтдиларки, бу шумшук одамнинг касофатидан тинчлик ва ҳаловатимиз йўқолди, чунки Дашти қипчоқ ва барча вилоятларни бизларга душман қилди. Оқибат ишларимиз жуда мушкул бўлади-ёв.

// 107^а Қипчоқия в қирғизия қўшинининг бу сўзларини Алимқули эшитиб, Тошканд аҳолиси билан янгидан аҳду паймон қилиб, отланиб Қорақамиш дарвозаси йўли билан чиқиб, тунда дарё лаби бўйлаб суръат билан юриб, Иқон мавзеи устига кўнди. Шу вақтда насоро лашкаридан юз нафари Туркистондан чиқиб шу ерда тушган экан. Қишнинг қаттиқлигига қарамасдан ғазотга азм қилди ва *қорабағро* боғлаб шу юз нафар русга қарши югуриб³¹⁵⁶, баъзиларини ўлдирди ва олтмиш нафарини асирга олди³¹⁵⁷. Яна келган йўллари билан қайтиб келиб, Тошкандда кўндилар ва бир неча кунлик Тошканддаги истиқоматдан сўнг чиқиб, дорул-аморат Хўқандга бориб кирдилар.

Мулло Алимқули Хўқандга келганидан кейин бир покнафас савдойи одам шундай туш кўрибди: қуёш ипак рангда нофармон, на қизил ва на қора. Қиём вақти ўтиб, пешин вақтига келиб қарор топган. Одамлар йиғилиб қуёш ҳайбатига назар солиб ҳайратга тушган эканлар. Бир вақт осмондан қуёш ёнидан бошқа бир қуёш катта нон кулчага ўхшаб ерга тушиб кетибди. У кулчаофтоб кулаши билан қуёш ҳам Бобойи Афв тоғи тарафига лочинга ўхшаб пастга учиб, бир учида мазкур тоғ орқасига тушиб кўринмай қолибди. Ундан кейин ерга зилзила тушиб, ер деворга ўхшаб кўтарилибди ва бирдан таскин топибди ва ер қайтадан текис бўлибди. Одамлар олдига қуёш рангида ерга тушган кулчани одамлар навбат билан қўлларига олиб ажабланаётганда уйқудан уйғонганмиш.

³¹⁵³ Қуръони карим, 58:12.

³¹⁵⁴ “Бас, (солиҳ) бандаларим (сафи)га қўшилгин ва жаннатимга киргин” Қуръони карим, 89:29-30.

³¹⁵⁵ Жомадор ноиб (1805–1880 й. кейин) – панжоблик. Лаҳорда сипохийларнинг зобити бўлган. 1850 йилгача сикхлар қўшинида хизмат қилган 1860–1865 йилларида Қўқон тўпчибошиси. Бир муддат Шаркий Туркистондаги Яъқуббек Бадавлат хизматида ҳам бўлгани маълум.

³¹⁵⁶ Иқон воқеаси 16-18 (1-6) декабр бўлиб ўтган.

³¹⁵⁷ Иқон муҳорабасида Серов бошчилигидаги дастасидан (жами улар 103 нафар бўлган, 2 зобит, 97 казак, 4 аскар, 1 йўлбошчи Аҳмад) 1 зобит, 50 казак, 2 аскар кейинчалик олинган захмларидан 11 урал казаки ҳалок бўлган эди.

Ҳалиги одам бу кўрган тушини одамларга айтиб, улардан таъбирларини сўрабди. Улар эса адаб ва тавозе юзасидан, унинг оқ сочини хурмат қилиб, кўрган туши таъбирини ўзига ҳавола этибдилар. Ночор у чала ақли ва девоналик фаросати билан бундай таъбир қилибди. Қуёш кун ярмида бирдан ботиши, баланд мартабадан бирдан пастликка қулашдан далолат беради. Ҳамчунонки, бемадор Алимқулининг давлати таназули муқаддимаси бўлиб, давлати авжида пастга қараб кетади. Қуёшнинг қора ранги эса, уни ҳасаб ва насабдан узоқлигидан, қуёшни Бобойи Афв тоғи орқасига ботиши эса, унинг умри шу тоғ орқасида завол топишидан далолат беради. Яна Аллоҳ билгувчирокдир!

Алқисса, бир ой ўтмасдан Чимкентни босиб олиб, насоронинг Тошканд сари юз бурганлари хабарини // 108^б етказдилар. Бу хабарни барча қипчоқия ва қирғизия жамоаси эшитишлари билан, айтдиларки, Мулло Алимқули Чимкентга борганида жаҳолат юзасидан ва ақли ноқислигидан қозоқия бийларининг сардори бўлмиш Бойзоқ деганни қатл қилган эди. Унинг бу шум феълидан барча қозоқия адоватни касб қилиб, урусия лашкарининг пешжанги бўлиб, балки Чимкент босиб олинишига сабабчи эдилар, қасд олиш учун Тошкандга урусия лашкарини бошлаб олиб келганлар. Буларнинг барчаси Алимқулининг шумлигидандир. Оқибат, барчамизни бу одам ҳалокатга етказса ажаб эмас!

Шундай қилиб, барча жамоа Алимқулидан юз ўгирмоқчи бўлдилару, бироқ “насоро лашкари ғалаба қилаётган ва аҳли ислом мағлуб бўлаётган бир пайтда, орамизга фитна ва нифоқ солишимиз давлатсизликнинг аломати бўлади. Яхшиси ҳамжиҳат бўлиб, бу бахти қайтган одамнинг маслаҳатларига қулоқ солайлик”, деб андиша қилдилар. Иттифоқ ва ҳамжиҳатлик билан яна қўшин тартиб бериб, Тошканд сари азм этмоқчи эдиларки, Мулло Алимқули ўзидан хавфсираб, қўшинга ҳам қарамасдан бир гуруҳ *ғалабаҳодирлар* ва тўпхонани олиб Тошканд сари равона бўди. Қолган *понсадбоши* ва *саркардалар* икки кундан кейин унинг орқасидан чиқиб, Тошканд йўлига кирдилар. Мулло Алимқули *саркардаларини* кутмасдан тез суръат билан йўл юриб, Тошканд қалъасидан ташқаридаги Минг урукка чошт вақти келиб, андак қўшин билан қўнди. Қўшин еб-ичишдан ҳали фориг бўлмасдан, карнай ва катта ноғора садоси уларнинг қулоқларига етди. Ҳамма: “Бу садонинг сабаби нима?” дея сўрадилар. Жавоб бердиларки, бу лашкарни отга миниш учун (рус қўшинига) берилган ишорадир, зеро рус лашкари яқинга келиб, Шўртепа мавзеига яқин етиб келган. Амирлашкар насронийлар йўлини тўсмоқчи, бетавақуф бориб жангга кирмоқчи бўлганида, “барча ислом қўшини ҳали етиб келмасдан бу озгина қўшин билан урушга киришишда не маъно бор”, дея (баъзилар) айтдилар.

Назм:

Ҳар он кас кунад кор бо иттифоқ,
Зафар ёр гардад хатар аз нифоқ.
Ба душман агар жанг аз ҳаё кунад,
Нахуст рифқ бар қавм бар по кунад.
Ҳар он кас касалманд шуд аз дарун,
Ба муҳаббати дарун шуд зи қувват бурун.
Агар ботини шоҳ бошад салим,
Халойиқ раҳанд жумла аз тарсу бим.
Саломат ба ҳар жо равад гул кунад,
Раги ғунчай гул пур аз мул кунад³¹⁵⁸.

Улуғларнинг маслаҳатини хотирига ҳам келтирмай, тўпларни судраб, ўзи отга минди ва бошқалар ҳам иложсизликдан отларига суворий бўлиб, амири лашкар орқасидан равона бўлдилар. Бир от чоптириш масофада // 108^а йўл босиб, ислом сипоҳларини пиёда қилиб, олдинга юборишди. Шу зайлда юриш қилаётганда насронийлар лашкарини Шўртепада барқарор бир жойда туришган ҳолатда кўрдилар ва уларга қарши тўплардан ота бошладилар. Рус лашкари ҳам тўпларидан отдилар. Икки тараф отишмаларининг тутуни ул биёбон саҳроси саҳни фазосини тўлдириб, ул саҳрони қоронғу тийра тунга айлантирди. Оламоро қуёш энди қуёв кўрган келин каби бошига қора дебодан сатр олди. Ер остидаги бақар (сигир) заррин молхонасида икки тараф тўпларнинг отиши шиддати ва овозидан, сур(най) садосидан ваҳимага тушиб, “Ер юзида бу қиёмат бошланишининг аломатими? Ёки Қоф тоғидан бирор оғир тош ўз барқарор жойидан силжиб, ерга тушдими?” дея сўрарди.

³¹⁵⁸ Гулнинг ғунчаси халқнинг қалби, мул (дурда) эса шаробнинг чўкмаси. Шароб хурсандчиликнинг рамзидир. – Муаллифнинг шарҳи.

Оқибат тўпларнинг отишмаси ҳаддан ошиб кетиб, насронийлар лашкари бесаранжом бўлди. Бу вақтда қипчоқия ва қирғизия лашкари ўз *саркардалари* билан жанг майдонига яқинлашиб, узоқдан урушни назорат қилардилар.

Назми туркий:

Кимки агар давлату иззат тилар,
Хон қошида қурбату ҳурмат тилар.
Тушса элни бошиға номус куни,
Жондин ўтуб шоҳға хизмат қилар.
Даррани захмини еб тебрамас,
Кимки, асал таъмида нўш тилар.
Жондин ўтуб фатҳ эшикин очар,
Ул кишиким давлату иззат тилар.

Оқибат Мулло Алимқули қараса *саркардалар* мадад бермоқчи эмаслар ва улар жангни назорат қилиб турибдилар. Мулозим юбориб уларга деди: Эй худбин ва ўзбилармон, беҳудагў *саркардалар*! Шу маҳалда хусумат ва адоватга ўрин йўқ! Агарда менга қасдларинг бўлса, унда аввал аҳли ислом зиммасига тушган фарзни бажо келтирайлик, чунки “Мушрикларни ўлдиришлар” деган ояти карима бу сўзларим чинлигига далилдир. Мушриклар билан муҳораба ва муқотала қилайлик, ундан кейин улуғлар маслаҳати билан менга нисбатан нимани жоиз кўрсаларинг уни қабул қилишни мен ҳам ўзимга раво деб биламан. Ҳозир вақт номус ва нанг ҳимояси вақтидир. Аҳли ислом номусини қўлдан бой бериш яхши эмас. Агарда сипоҳгарчилик ва мулкдорчилигимиз шу ҳолда бўлса, ислом қалъасининг деворларини қулатиб, қора ер билан яксон қиламиз ва қиёмат кунигача бадномликни ўз бўйнимизга олажакмиз!

Унинг *миёнчиси* Мулло Юнусжон *мунший* Мулло Алимқули сўзларини бир-бир // 108^б тахтадек қотган ва уйқусираган бедор *саркардаларга* етказди. *Саркардалар* орасидан Фўлод деган бир бепарҳез қирғиз дағал жавоблар бериб мулозимни қайтарди.

Ўша вақтда аҳли лашкари насоро бўлиб турган жангда аҳли исломнинг тиру тўпу тўфанг шиддатидан безовта бўлиб, ўз жойларини ташлаб орқага чекинардилар. Мусулмонлар эса бориб руслар лашкари ўрнида барқарор турмоқчи эдилар. Шу пайтда амир ул-умаро Алимқулига бир ажал ўқи учиб келиб, кутилмаганда унинг биқинига тегиб, бошқа ёнидан чиқди³¹⁵⁹. У отдан чилпарчин бўлиб ерга йиқилди. Уни минг азоб ва машаққат билан қайта отга миндириб, барча тўпларни секингина олиб, жанговар йигитлар билан орқага қайтдилар. Анжом ва саранжомлик билан Тошкандга келиб кирдилар. Узоқдан жангни назорат қилиб турган қўшин, жангга кирмасдан Чирчиқ дарёси лабига келиб қўндилар. Лашкария Мулло Алимқули ва хонзода Саййид Султонни олиб Тошкандга кирганларида, насронийлар лашкари ҳам уларни қувиб, қалъа дарвозаларини тўп ўқи остига олди. Бир-икки соат уни тўп ўқи остига тутиш билан машғул бўлди ва қайтиб ўз жойида барқарор туришди. Насронийлар лашкаридан юз ўгирган қўшин жангга кирмасдан Чирчиқ суви лабига келиб, Тошкандга кирган лашкарга эътибор бермай Хўқанд тарафига қайтдилар.

Мулло Алимқули ва Султон Саййид³¹⁶⁰ни олиб Тошкандга кирган қўшин, амири лашкарни бир дўконга олиб кириб ётқиздилар. Барча тарафдорларини олдига чорлаб (Алимқули) “хонзодани тарбияланг ва унга мадад беринглар, акс ҳолда душман тоифалари отларининг туёқлари остида поймол бўласизлар”, деб васият қилди ва шу маконда бу бемадор оламдан руҳи кўчиб кетди. Шундан кейин халойиқ ўз аҳволига ўзи гирифтор бўлди. Баъзи давлатхоҳлар Мулло Алимқули жасадини Шайх Хованд тухурга олиб бориб дафн этдилар.

Шундан сўнг хўқандликлар лашкари ҳар куни хонзода хизматига келиб, кўриниш бериб, бир-икки соат у билан ўтириб кетардилар. Бир неча кун шу аҳволда ўтди. Орада хўқандликлар қайтиш учун сўз бошладилар. Тошкандликлар дедилар: насронийлар бизни гир айлана ўраб олган, аҳволимизни танг қилган. Шўртепада бўлган жангларида // 109^а тўпчиларингизнинг кўрсатган ишбилармонликлари натижасидан урусия тўпчилари ҳайратга келиб, ажабландилар. Модомики, хонзода ва хўқандликлар лашкари вилоят ичкарасида экан, насоро лашкари қалбида кўрқув ва ваҳима қолади. Акс ҳолда улар бир соат ҳам кечикмасдан бу вилоятни олардилар.

Шундай тадбир билан Хўқанд қўшини ва йигитларини Тошкандда андармон қилиб, Бухоро амирига мулозим юбориб, унинг итоатига ўтишларини изҳор қилдилар. Андак фурсатда юборилган мулозим амир хизматига кириб бориб, бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир баён қилди ва Тошканд

³¹⁵⁹ 1865 йил 2 май. Бошқа маълумотларга қараганда, Алимқули амирлашкар 23 зул-ҳижжа 1281/1865 йили 19 май Тошкентнинг Мингўрик мавзеига келиб тушган. 21 май амирлашкар босқинчилар ўқидан яраланиб вафот этган.

³¹⁶⁰ Султон Саййид хон – Султон Саййид Муҳаммад (1847 ёки 1852–1868–69) номигина 1863–1865 (май)гача Қўқон хони.

аҳолисининг арзи ва ихлосларини маълум қилди. Арзни адосига етказган элчисифат мулозимга амир: “Агар итоатлари рост бўлса, хонзодани бизнинг хизматимизга юборсинлар”, деб буюрди ва элчига рухсат бериб қайтарди. Амир ўзининг даргоҳи амирларидан бири бўлган Искандарбекни (Тошкандга) юборди. У келиб Тошкандга кирди ва хонзодани амир ҳузурига юборди. Амир уни ўз хизматида сақлаб турди.

Шундан кейин хўқандликлар лашкари ва содалавх андийлар билдиларки, бу мулкнинг фуқаролари омонлик умидида амирга тобе бўлишибди. Мақсадлари шу эдики, султонлик навозиши ва хоқонлик сипориши билан сарафроз этиб, бизларнинг ҳимоямиз учун қўшин юбориб, бу балони бошимиздан улоқтиради. Бу аблах тошкандликлар ва аҳмоқ андийлар хонзодани қўлдан бой бериб, хўқандликларни ўзларидан совутган эдилар. Охир ул-амр улар бу мулкни урусияга беришлари мумкин.

Насронийлар аҳли тошкандликларнинг Бухоро амирига ён босишларини ва бунинг натижасида хўқандликлар улардан кўнгиллари совиб, вилоятларига кетганларини билдилар.

Бухоро амири ҳам имдод беришда ожиз қолди. Насронийлар вақтни ғанимат деб билиб, таважжуҳ юзини шаҳарга бурдилар ва андак ҳаракат билан Тошканд ичига кирдилар³¹⁶¹. Сипоҳ ва фуқаронинг жидду жаҳдларидан фойда бўлмади. Оқибат баъзи маҳаллалар ва дўконларга ўт қўйиб, аксар уйларни ёқиб хокитўзон қилди. Шаҳар ичида бўлган сипоҳийлар қалъа деворларини бузиб, чиқиб кетдилар. Тошканд катталаридан, мисоли Отабек *баковулким*, айна ҳолда дорул-аморат Хўқандда *ноиблик* қилади, Искандарбек Бухорий амир хизматида кетдилар. Искандарбекни амир қатл қилди. Қолган *понсадбоши*лар қочиб Қурамага кетдилар. Бухоро амири Тошканд қўлдан кетганини эшитиб, қўшин тартиб бериб тез суръат билан йўл босди ва Самарқандга келиб кўнди-да, // 110^б уч-тўрт кун шу ерда қолди.

Қипчоқлар Тошканддан қайтиб Хўқандга кирган куни бу мулкнинг амирзодалари ва хонларнинг қариндошлари ва яқинларидан бири бўлмиш Худойқули³¹⁶² деганни топиб, ўзларига хон кўтардилар ва яна Тошканд қасди учун қўшин йиғиб, Ермасжид мавзеига келиб кўндилар. Бу ерда бир-икки кун истиқомат қилиб, Тошканд сари азм қиламиз деганда, учинчи куни Бухоро амирини бу томонга бостириб келиб Хўжандга келиб тушганини билдилар. Қипчоқлар амир яқин келишини эшитиб, қайтиб Хўқандга кирдилар. Улар фуқаро жамоати билан амирни шаҳарга қўймасдан ҳайдаб чиқармоқчи эдилар. Шаҳарга киргач улар фуқарони амир билан жангга товлари ва қамалда қолишга мадорлари йўқлигини дарак этдилар. Ноилож бўлган қипчоқлар тўпларни олиб Мўйи муборакка чиқиб кўндилар ва амирни шаҳарга яқинлашганини билиб, Мўйи муборакдан кўчиб Дўрмонча йўлига кирдилар ва мазкур мавзегга тушдилар. Амир Бекмуҳаммад *мингбошини* қипчоқлар билан бирга шаҳарни ташлаб Марғинон сари кетганини билди. Суръат билан йўл босиб Хўқандга келиб кирди. Тарих бир минг икки юз саксон иккинчи эдики, амир шаҳарга кирди ва Қатағон Ўрдасига кириб кўнди. Икки-уч кунлик яшашдан кейин амир қипчоқларнинг тўқсон икки қабила лашкарини писанд қилмай, ўзларининг кудурат зангини бу мулк ойинасидан ташламоқчи бўлмасдан, қатлу саваш, жангу талашу остонасида турганларини билди. Уларнинг зиёнини даф этишни ўзига мушкул деб билди ва бу мулк ишларини саранжом қилишга ожизлигини фаҳмлади. Иложсизликдан бу мулкни Худоёрхонга берди.

Назм:

Касеро, ки давлат бувад пойдор,
Забун мешавад душманаш гашта хор.
Ғулув бар сари бозу зоғон кунад,
Нажунбанд зи ажал гар бувад сад ҳазор.
Шаванд чанд рўзе ғазанфар сифат,
Шавад беҳ зи ваҳши барорад димор.
Бар он кас, ки дод Худо ёр шуд,
Шавад оқибат хасми ў хору зор.
Фақир ту аз мадҳаш сар мапеч,
Бар он шах, ки ўро Худо ёр шуд.

Бухоро амири Худоёрхонни ўз лашкарига пешжанг қилиб, Аллоҳёрбекни бир неча *саркардалари* билан Худоёрхон орқасидан юбориб, азм жilовини қипчоқлар сари бурди. Мазкур хон

³¹⁶¹ Босқинчилар сафи саккизта пиёда рота, 2 казаклар сотнясидан иборат бўлиб, уларда 10 та тўп бўлган. Тошканд қамали вақтида уларга яна иккита рота икки тўпи билан келиб қўшилган (жами 1300 аскар). Бу кучларга полковник (кейинчалик генарал) Абрамов, подполковник Жемчужников, ротмистр (кейинчалик полковник) Вульферт, поручик (кейинчалик генарал) Пётр Михайлович Шорохов, майор Делаacroа, полковник Краевский ва б. қўмондонлик қилган.

³¹⁶² Худойқулибек ибн Мақсудбек ибн Бекбўтабек ибн Сулаймонбек ибн Шодибек

Ўз лашкари билан амир кўшинидан икки тош олдин юрди. Амир эса Худоёрхон орқасидан бир манзил узоқроқда келарди. Гоҳо қипчоқлар Худоёрхонга яқинлашиб жангга киришардилар ва Худоёрхон фаросат юзасидан улар билан енгилгина олишиб, уларни қувиб борарди // 110^a ва Кошғар довони тагигача таъқиб қилиб, довондан нари тарафга ўтказди. Уларнинг барча асбоблари, тўпу ўкларини қўлга киритди.

Бу китобнинг муаллифи бўлган ҳақир ва фақир Ҳомидхўжа *мирзобоши* билан бирга ўша вақтда Андижон аскарлари қаторида бу икки тараф олишувларини назорат қилганман. Ўша вақтда Бухоро амири Ўшга келиб қўнган эди. Аслаҳа ва тўп каби барча қўлга туширилган нарсаларини улар амир хузурига олиб келиб манзур қилдилар.

Амир қипчоқларни қўлга туширолмай, паришон хотирлик билан қайтиб, бир неча кун ичида йўл босиб дорул-аморатга келиб кирди. У қирқ кун ичида пойтахтда истиқомат қилиб, шу муддатда барча уззом, содот, уламо, машойих ва акобирларни, жумладан ҳазрати Эшон Соҳибзода, ҳазрати Сулаймонхўжа эшон *шайхулислом*, ҳазрати Абдулваҳҳобхўжа эшон *қози калон*, Мавлавий Чўбин, номдор усталардан уста Пирназар *тўпрез*, уста Бухорий Гилкор ва бир неча нодиркор хунармандларни, соҳибжамол қизларни, камолга етган йигитларни кўчириб, “оқ уйлуқ”³¹⁶³ сифатида Бухорога жўнатди. Қори Миршамс ва Дўстмуҳаммад *меҳтар*ни ўша маврид қатл қилди.

Амир бу мамлакатни ушлаб туришни имкон доирасидан ташқари эканини билиб, ноилож Худоёрхонни салтанат тахтига қўйиб, Фарғона ҳукуматини унга берди. Асбобу олот, тўпу тўфанг ва анжом-аслаҳадан барисини териб ва супуриб, ўзи билан олиб кетди.

Амирнинг бу кабиҳ феъли ва шум атворидан Худоёрхон ва аркони давлат ҳамда аъёни салтанат, барча фуқаролар хотирлари озурда бўлиб, маслаҳатга тушдилар. Зарофатли хон билдики, мамлакат бошига тушган бу оғир ишларнинг барчаси, нифоқ ва тарқоқликнинг шумлиги ва касофатидандир. Энди мувофиқат ва ҳамжиҳатлик тарҳини бутун Фарғона аҳолиси ўртасида барқарор қилиб, туркона қоида ва маслаҳатни жорий қилиб, аҳли замона истакларини инобатга олмоқ керак. Андиша юзасидан хон хушхў мулозимлар, хушгў хизматкорлар, рострав ва ростгўй, маърифатпарвар, сўзамолларни мамлакат теварак-атрофларидаги элотия, ўзбек, сарт ва тожик халқининг кўнгилларини сўраб туришлари учун юборди ва ҳаммани иттифоқ доирасида якдил ва якжиҳат қилиб йиғди. Ўзининг зариф хотирини бутунлай атроқ тоифалари // 110^b ва саффоқ муҳолифлардан жам қилиб, тажрибали омиллар ва синалган мубашширларни ҳукмронлик ишлари ва султонлик лавозимларига тайинлади. Олиб келинган асбоб-анжом, тўпу дору, тиру тўфанг, оту аслаҳани андак кунлар ичида анжом ва саранжом қилиб, мулк ишини саришта ва ҳукмронликни шариат асосида олиб борди. Шодмонлик ва фароғатлик эшигини фуқароларга очди.

Назм:

Ҳақ зи файзи қудуми шоҳи замон,
Кард рўзи ба мулк амну амон.
Фуқаро дар фароғат осуданд,
Гашта кам зулму бидъат дур (зи) он.

Бухорода бўлган ҳазрати Эшон Соҳибзода Худоёрхонни Фарғона мулкани хуррам ва обод қилиб, Кисро замони каби зулм бойўғлисини йўқлик Қофига ҳайдалганини, адолат лочини бидъат қушини Фарғона мулки чангали ҳавосидан гумдонлик ерига қувиб, беному нишон қилганини эшитдилар. Улар “шундай фархундаосор замонда ўша худудга борайлик ва қолган умримизни Худо ёдига, ҳақ йўлига талабгор бўлганларга сарф этайлик. Беш марта намоз вақтида унинг умрини зиёда бўлишини тилайлик” деб, бир минг икки юз саксон учинчи йили ҳазрати Соҳибзода такроран, яъни иккинчи марта Бухородан Хўқанди латифга келиб ташриф буюрдилар ва саодатли қадамлари билан бу ерни мушарраф қилдилар. Шу йили ҳазрати Соҳиб ўз мадрасаларининг жанубидаги Хонақоҳ сахнини очиб, янада кенгайтирдилар ва музайяна барпо қилдилар. Унинг таърихи қуйидагича топиб назм ипига тортилди:

Жустам зи хирад таърихи ин гулдаста,
Гуфто ки бижў мазҳари хусн зебо.

Таърих 1284/1867-68 йили эдики, Худоёрхон бозор расталари, Саройи калон, Пахта саройи ва пахта капонини бино этди ва тартибга келтирди. Бу бинолар таърихини ўша давр зариф кишиларидан бири топиб, мадҳ ва қасида шаклида Худоёрхон ҳақида иншо этиб, назм ипига тортган эди.

Назм:

³¹⁶³ Оқ уйлик – гаровга олиниб, бошқа жойга олиб кетилгандан сўнг уларга ҳурмат кўрсатиларди. Улар, кўпинча, оқ ўтовларда яшаганлари боис шундай дейилган. Қора уйликлар эса асирга олинган, ҳақ-ҳуқуқсиз душман томони.

Шоҳи диндор маъдалат кирдор,
Бахт фируз майманат осор.
Фуқаропарвар, масокин жўй,
Мушфиқи уламо, шаҳи диндор.
Аз падар то падар ба тахти шаҳи,
Биншаста ҳама бо ин кирдор.
Гавҳар ту, зи кони султони,
Жавҳари асл, эй дурри шохвор.
Аз бани Шохрухий дар ин авранг,
Мисли ту шаҳ надида дир ин диёр.
Он ки бо ту бикард бе адаби,
Адабаш дод ҳазрати Қахҳор.
Бурид андеш дар хало ва мало,
Дар хаёл оварад ба ту азрор.
Ҳар он шум ва бе бурдро,
//111^a Аз каж андеш дастаи хунхор.
Он ки аз лутфи ҳақ азизи ёфт,
Душманонаш шуданд бе шак хор.
Маълум аз шаҳ номи ин динвар,
Шуда имдоди ҳақ ба ин шаҳ ёр.
Мадҳи авсофи шохро гуфтан,
То ба сад сол бошад умр бидор.
Аз ҳазорон яке ба зўри забон.
Кардан на итмом ҳаст хуш дор.
Эй шаҳи тождори Фарғона,
Ёдгори шохони олий табор.
Тожи шоҳи ҳамеша бар сари ў,
Зиннат афзой домаҳу фи-д-дор.
Тобиши давлати ту дар мулк,
Кам нагардад чу меҳр нисфи наҳор.
Сари ин мулкро ба пояи чарх,
Ту расонди ба зиннати бозор.
Буд бозор як сайисхона,
Лутфи ту карда растаҳо гулзор.
Растаҳое, ки ҳама хулдойин,
Даршукуфт ғамчу гул дар фасли баҳор.
Соиронро муаттар аст димоғ,
Ва зи атри дакокини аттор.
Дар жавонон хў бари латиф,
Гарав аз ҳур барад дар гуфтор.
Кардаанд он ҳама дакокинҳо,
Мисли гулҳо шукуфта дар гулзор.
Бозори чўф ин саройи сағир,
Манзару ҳужраҳо ҳама дурбор.
Ин ажабтар, ки як саройи кабир,
Хонаҳо чун хазина аст пурбор.
Дар пеш карда низ пунба саро,
Маа капон мисл вусъатдор.
Ғайри ободии халойиқ нест,
Бар змири шағи вилоятдор.
Некномии ин билод мурод,
Аз барои дакокини гулдор.
Ҳама шаҳрҳо бо ин тартиб,
Кард ораста шағи аброр.
Яке аз нодир каромоти ин,
Эй зарифони ба хираду ҳушёр.
Ин биноҳо ки гашт мустазҳар,

Ҳама дар ин мисол шуд изҳор.
 Асароти вилояти хон аст,
 Омада дар вуқуъ ин ҳама кор.
 Гар бикарди хавонини мози,
 Аз иморот қаср ё бозор.
 То расиди бино ба такмилаш,
 Ногузашта зи солу моҳ чаҳор.
 Он биноҳо, ки монда аз пешин,
 Назди инҳо муносиб харкор.
 Ки кунад кор мисли муздурон,
 Корфармой, ки шавад саркор.
 Боракаллоҳ ба хони коршинос,
 Монда дар сари *надим* коргузор.
 Вақти гуфтани сухан ба коргарон,
 Чун падар карда шафқат истизҳор.
 Ба ҳайрат оварда халқ ин ҳамаро,
 Ҳамчу ойинаи дил, ки бе зангор.
 Инчунин хосият, ки маълум нест,
 Ин ҳама аз хавоси хони кибор.
 Васфи хони замон шоҳ чунон,
 Ки тавонад касе яке аз ҳазор.
 Мани пир ғуломи ҳалқа ба дўш,
 Доии давлат аст маа ҳуззор.
 Хост аз бари ин иморатҳо,
 Соли итмом то кунад изҳор.
 Бар ман ҳамчунин бигуфт пири хирад,
 Акнун эй пир ту ба ман ҳуш дор.
 Инчунинг аст бинои таърихаш,
 “Чаманистон ба зийнати бозор”.

// 112^б Билим арбобларига маълум ва аниқ бўлсинким, “чаманистон ба зийнати бозор”, таърих моддаси бўлиб келган.

Иккинчи таърихни туркий лафз ва ўзбекча байтлар билан китобат ипиға тортилди.

Шукр лиллаҳ бу вилоятға лутф этди Худо,
 Бўйлаким, қасри халофатда қилиб бахтини жо.
 Топти кўп зеб ила зиннат бу вилоят,
 Бўйлаким, растаи бозор ила тузди саро.
 Ўрда бино айлаган аслида Абдулкарим,
 Хони замон жадиға эрди жадди воло.
 Шаҳр атрофиға кўрғону дарвоза кўюб,
 Қўйди Исфара дарвозасию Ҳайдарбек анго.
 Улус аҳли атоғайлар ани Эски ўрда,
 “Мазҳари обод” эрур ул ки таърихи бино.
 Мулки маврусини хон зеб ила ойин бериб,
 Орази шоҳиди мулк кўб топти жило.
 Аҳсани ҳусн ила зеб топибон шоҳиди мулк,
 Ғоза ва пумба ва бозор ила берди жило.
 Деди зоҳир яна таърихи гулистониға ақл,
 Бергил тоза ниҳол экти ки накҳат пиро.
 Балки бир гул дема ул неча саро неча гул,
 Муҳаққиқ они бил “тўрт гул, тўрт саро”.

Дониш аҳлиға маълум ва мафҳум ўлғайким, “тўрт гул, тўрт саро”. моддаи таърихдурур. Бул тариқа ила билмак керакким, “гули саро”ни тўрт маротаба ҳисоб қилиб жамъ қилсалар таърих ҳосил бўлур.

Мазкур йил, арслон (паланг) йилида саодат буржининг офтоби она раҳмидан нур сочиб, султонлик бисотини мунаввар қилди. Худоёрхон бу кўз қорачўғининг муборак исмини Ўрмонбек деб номлади. Бу дуогўй шу хонзода таваллудини мадҳ ва қасида шаклида айтиб, назмға торгити:

Эй гунчаи гули садбаргу боғи навдари,
Пайванд тору пуди Бобуру Искандари.
Дар маҳди тахти шаҳи ту ба лутфи Ҳақ,
Дар давлати падар зи умр бархури.
Бошад бар шаҳон чунон дар рикоби ту,
Дар аслу насл аз ҳама шоҳон ту бартари.
Рўзе, ки кард ахтари бо саодатат тулуъ,
Аз торикии наҳс халойиқ шуда аст бари.
Эй меваи ҳадиқаи шоҳони жамкулох,
Шоҳон ба пешат арз гашта, баски жавҳари.
Дури ба асл аз садафи Пешдодиён,
Ҳамчун мунир дар фалак насли мутҳари.
Шуд кавкаби ту аз осмони Каёниён,
Толиъ зи буржи салби падар ҳамчу муштари.
Ту карда зи маъдани Сосониён зухур,
Нодида зи кони шоҳон чун ту гавҳари.
Хилват саройи Ашкониёни Парс,
Нодида аст ҳам чу ту хуршид ховаре.
Мисли ту // 112^a нури чашм надида шаҳони турк,
Эй гашта аз кудуми ту олам мунаввари.
Зебанда гашт тахти шаҳи аз кудуми ту,
Ораста зи гавҳарат, эй тожи сарвари.
Яъқуб аз ҳама авлоди худ гузид,
Юсуф, ки буд дар назараш меҳри анвари.
Дар шафқат аз ҳама шаҳзодагон туро,
Карда ба маҳди лутфи падар тифл парвари.
Аз нахли боғи чаманзори шаҳ зухур,
Карда ба соати масъуд чун санавбари.
Эй шаҳ туфайли гарди кудумаш зи рўйи лутф,
Ба бандаи заиф ту кун банда парвари.
Маддоҳи мадҳгўйи туам ба аҳфоди ту,
Ин дои фақиру ту амири кишвари.
Акнун маро вазифа дуогўист,
Нақши ҳаёт то ки ба тан ҳаст мусаввари.
Побанди давлати шаҳ ва шаҳзода бод,
Дар давр то ки ҳаст фалак мудаввари.
Ту эй дуогўй замони таваллудаш,
Бар ақл гўй то бикунад ў тасаввуре.
Соли зухури он дурри якто бижустамаш,
Ҳамчу бигуфт ў ба ман, ки аз суханвари.
Таърихи он маҳи нав бар осмони дил,
Жуз “кавкаби саодат асар” ту наёвари.

Маълум бўлмоғ керакки, “кавкаби саодат асар” таърих моддаси бўлиб тушган. Бунинг маъноси шулким, саодат асари бу қимматбаҳо гавҳар ва осмонўпар юлдуз (Ўрмонбек)ни оламда пайдо бўлишидан то бу замонда бу ҳудудларнинг халқига бениёз ва муродбахш бўлган Аллоҳ таоло амният, фароғат ва осойишталикни ато этган, босқинчилар ва душманлар қўлини бу ерлардан торттирган. Шунинг учун боланинг қадамани бахтиёрликка унаб, муборак деб идрок этиб, шундай таърих топдим. Сана 1284/1867–1868.

Таърих 1285/1868–1869 эдики, султонлик садафи ва хоқонлик конининг гавҳари, Марями соний, покдоман Роқия, парда ортида сажда қилувчи, бонуларнинг энг улуғ бонуси, хони замоннинг волидаси, яъни Ҳокимойим бу паст асосли олам, мадорсиз ва бекаму-кўст дунёдан рихлат қилиб, боқий оламга хиром айлади. Марҳума маҳфурага аталган қасида-марсияни туркий қоидага биноан назм ипига тортиб, дуогўйлик тариқида адо этдим.

Назм:

Мадҳингда қилай тилимни гўё,
Васфингда қилай қаламни пўё.
Эй бонуи даҳр шафқат ойин,

Ва эй каъбаи зубдаи салотин.
Фақр элиға сан эдинг ҳимоят,
Шафқат ила бонуйи вилоят.
Шаҳ қасриға зебу зиннат эрдинг,
Ҳам ота ва шаҳға модар эрдинг.
//112^б Ки элга қилур эрдинг мурувват,
Ки кўргузуб элга кўп футувват.
Сендин эди барча кўнгли хушнуд,
Аҳволи халойиқ эрди беҳбуд.
Бу таъзия ила сенга шафқат,
Ҳақ айлади мунча қилди ҳасрат.
Жаннатда на янглиғ ўлғусидур,
Ҳақ лутфи санга на бўлғусидур.
Рутбангни сани киши билолмас,
Балки киши анга етолмас.
Ҳар шоҳғаки бўлса сандек она,
Давлат бўлур анга жовидона.
Шоҳлар ҳарамида сендек ойим,
Атвори хуш, сўзи мулойим.
Шоҳ давлатини мадори эрдинг,
Қаср аҳлини ғамгусори эрдинг.
Шоҳға нечук сўз ила сўзлаб,
Эл арзини қилурди йиғлаб.
Дер эрдик, эй кўзумнинг нури,
Жон роҳатию дилим сурури.
Ман айланойин азиз бошингдин,
Садқа бўлайин ширин сўзингдин.
Жонимни йўлингда садқа айлай,
Ҳақингга дуони сарфа айлай.
Фуқаро аҳли дуодур паноҳинг,
Бўлғуси мадори дастгоҳинг.
Ғамхорим ва эй кўзим чироғи,
Давлат чироғининг адл ёғи.
Адл айлаки, адл эрур сипоҳинг,
Ҳақ қошида адл эрур паноҳинг.
Шоҳ қошида сўзни бўйла маъқул,
Айлади бўлурди шоҳға мақбул.
Ҳар на деганин шоҳи ризохоҳ,
Берур эрди анга неча дилхоҳ.
Ҳар шоҳда бўлса мундек она,
Равнақ топар эл бирлан замон.
Эй шафқати лутфи бениҳоят,
Маҳрам элиға эрдинг ҳимоят.
Қочса агар эшикингга мужрим,
Топғуси нажот бўлса ҳар ким.
Шаҳзода бонузодаларни
Лутф ила суяр эрдинг аларни.
Олур эрдинг олдингга суроғлаб,
Ки юзларин ўфуб, кучоғлаб.
Буйла дер эдингки, барчангизлар,
Кўзим чироғига нурсизлар.
Жон ила дилим сизларга садқа,
Ҳар қайинга садақа бошқа-бошқа.
Сиз меваи боғи чироғим,
Қандил чироғим ичра ёғим.
Кўз мардуми нуридур булардин,

Кўнглумни мадоридур булардин.
Ҳақ лутфи ила қофласун сизларни,
Ўз ҳифзида сақласун сизларни.
Шоҳким ака ва жигардур сизларға,
Тахти узра тожи сар сизларға.
Давлат фалакида сизлар анжам,
Шоҳдур орангизда шамси торам.
Маҳфуз фалак ҳаводисидин,
Ер узра замон навосидин.
Ҳақ ҳифзида асрасун ҳамиша,
Давлатда мудом адлпеша.
Давлат ҳавасида неча шоҳлар,
Раҳм этмади инига акалар.
Гоҳ акани қатл этиб инилар,
//113^a Раҳм ака-ву инига этмадилар.
Барҳам бериб ўз насабларини,
Қаъ айладилар ҳасабларини.

Ҳокимойим ҳазрати Вожибул-вужудға тазарруъ ва зори тили бирлан ҳолати назъ (жон бериш)да авлодин ҳақиға дуо қилиб, давлат ва умрларини масъалат қилиб розилик тилагани. **Назм:**

Эй молики мулк Ҳайи доно,
Қудратли Худосану тавоно.
Ожиз ҳама шоҳлар эшикингда,
Ажз ила талабда даргоҳингда.
Шоҳ бирла гадо шоҳи ўзунгсан,
Пасту баланд этгувчи ўзунгсан.
Султонсан сани йўқ вазираинг,
Олимсан, сани йўқ дабиринг.
Мулк эгаси сен ва сен билурсан,
Ҳар кимгаки хоҳласанг берурсан.
Шоҳлар эшикидадур гадодек,
Сан қилғучисан гадони шоҳдек.
Қўйдинг ҳама шоҳни бошига тож,
Ҳимматинг бирла халқ бердилар бож.
Сан бергувчи жумла матлабини,
Кофисин ва ҳам кифоятини.
Ман ажз ила йиғлаб эшикингға,
Келдим талаб ила даргаҳингға.
Маҳрум юборма эшикингдин,
Маъюс юборма даргаҳингдин.
Қилдим қалбимни санга изҳор,
Эй Холиқи кулл, Шоҳ ва Саттор,
Сендин талабим будур Илоҳи,
Ким сан ҳама халқнинг паноҳи.
Топшурдум ўғул-қизимни Санга,
Аввал Санга, иккинчи унга.
Шоҳ ўғлум эрур кўзумнинг нури,
Жон роҳати ва дилим сурури.
Лутф айла ва шафқатин ортур,
Умри ила давлатин ортур.
Ким бўлса давлатиға аркон,
Лутфинг ила барчани камо кон,
Ҳифз ила аларға бўл ҳимоят,
Муслиҳ қил ва маслаҳат изофат.
Сақлаб ишини фитнадин сан,
Қаср аҳлини содиқ айлагин сан.
Юз йилғача давлатин қоим,
Маҳшарғача насли уруғи доим.

Қилғил ҳамасини сан муаззам,
Маснад узра тахтида мукаррам.

Ҳокимойим ҳолати назъда дунёдин умидин узуб, ўз кетарин билиб васият тили бирлан хамжулус заифаларға дедиким, вақти бўлур оламдин ўтсам ҳама мухтарам мамлакат зуафолари таъзияға келгусидурлар. Марсия ва қасидамни фасих тил бирла маъракамда бул тариқада менинг тилим бирлан адо қилинлар дегони.

Назм:

Эй солиҳаларким, таъзиямға,
Келган ҳаммангизки, бу ҳарамға.
Меҳмонсиз барча хуш келибсиз,
Ҳурмат бирла қўримиз билибсиз.
Шоҳ бирла гадоға тенгдур ўлум,
Кетдим ману холи икки қўлум.
//113^б Сўзум будурурки, барчангизға,
Манзур эмас манга дуодин ўзға.
Лутф ила манга дуо қилунгиз,
Фотиҳа бирлан ризо қилинғиз
Сизларға будурки, илтимосим,
Бул маъракада бўлса ҳар ким,
Ўғлум ҳақиға дуо қилинлар,
Шоҳлик ҳақини адо қилинлар.
Тахти узра шоҳ бўлса саломат,
Эл барчаси тобғуси фароғат.
Эл бўлғуси тан, тан узра шоҳ бош,
Бошсиз агар ўлса жамла бебош.
Шоҳни элидин элни шоҳдин,
Кўп йил айирма бир-биридин.
Шоҳнинг ҳақиға қилиб дуони,
Арз айладим ончи мудаони.
Оламдин ўтуб юмуб кўзимни,
Ким мухтасар айладим сўзумни.

Вақтики, афифаи сожида оламдин ўтди, ончи воқиоти аҳсан ва аломоти мустаҳсан таъзия кунни вуқуьға келди, бу камина ижмолан мушоҳада кўзи ва ибрат назари бирлан қасида тариқасида **марсия** айлаганимни адои бу турур:

Ул бонуйи сарви шарият,
Ул раҳрави соири тариқат.
Ул *ходимаи* канизи даргоҳ,
Ул *ходимаи* муҳаббат Заҳро.
Ҳақ йўлида жонини қилди садқа,
Ҳақ дедию холи бўлди бошқа.
Жон зикрида бердию топти роҳат,
Бўлди муқирру мақоми жаннат.
Гўё бўлуб ул кунни қиёмат,
Зохир бўлуб анда кўб аломат.
Қаср ичра фиғону нолаю зор,
Айлар эди жумла намакхўр.
Афғон ила хону хонзода,
Йиғлар эди барчадин зиёда.
Ул кунки жаноза ўқудилар,
Афлок ила арз ила дедилар.
Афлок эли бирла аҳли ғубаро,
Фарқ ўлмади бар-биридин асло.
Одам ададини билмадилар,
Одам демаким, малак эдилар.
Олимлар ила машоих аҳли,
Сахро эли бирла барча шаҳри.

Ҳам зоҳиду ҳам обиди вилоят,
Бок аҳли ва соҳиб басорат.
Жумхур халойиқ ўлдилар жамъ,
Ҳазрат эдилар ичинда бир шамъ.
Ул кун рамазон шарофатидин,
Мамлу ҳамма Ҳакни раҳматидин.
Жаннатни эшиклари очилғон,
Дўзахни эшиклари ёпилғон.
Мажмуъ шарофат ила ул кун,
Олам аҳли бўлдилар шарафгун.
Тобутни тож этиб сипоҳлар,
Чиқтилар ул шоҳу шахбаччалар.
Афғон ила нола ер юзини,
Тутти яна осмон тўзини.
Гўёки қиёмат бўлди қойим,
Ўтламади ваҳший бирлан баҳойим.
Ҳазрат бобосиға хони воло,
Арз айлади қилиб тавалло.
Таксир энам муридингиздур,
Ким дохилаи тариқингиздур.
Ҳазрат тарафиға хон ишорат,
Қилди ва қилинг деди имомат.
Шафқат бирла қилдилар имомат,
Эл барчаси муқтади тамомат.
Кулл //114^a ўқидилар жанозасини,
Ҳақдин тилаб анга раҳматини.
Фориғ бўлубон ўқуб намозин,
Арз айладилар ҳаммаи ниёзин.
Ҳақ дарғаҳиға тазаруълар айлаб,
Йиғлаб дедилар эй мусаббаб.
Зоҳирда эрди ул шоҳға она,
Фақр аҳлиға муҳиб эди ғоибона.
Мискину ғариб, ятимни ҳолин,
Юруб даво қилур эрди дарди маҳолин.
Биз мунингдек кўрмадук асл ойим,
Эл арзиға шафқат ила қойим.
Эй акраму-л-карамайни Худованд,
Мазлум элни қилурди хурсанд.
Раҳмат қил анга раҳматинг ила,
Шафқат қил анга лутфинг ила.
Қил лутф ила қабрини мунаввар,
Қўй қабри ичра равзадин дар.
Раҳмат эшикин юзиға очғил,
Кавсар сувидин бошиға сочғил.
Раҳмат қил ва эт насиби роҳат,
Қабр ичида анга то қиёмат.
Сўз мухтасар айла қил дуони,
Анга тила раҳмати Худони.

Хони воломақоми волидаи мушфиқалариға **марсия** айтиб йиғлаганларни баёни:

Қасримни мадори аршим энам,
Тахтим узра зеби фаршим энам.
Ороиши мулку тахтим энам,
Ҳам давлату тахту бахтим энам,
Оромгаҳу нишеманим энам.

Сан эдинг иморатимнинг мадори,
Сандак эна менга йўқ келари.

Ҳар ишда дуонг берарди ёри,
Айлар эдинг Худоға зори.
Эй солиҳаи замоним энам,
Ва, эй обидаи замоним энам.

Зикринг чироғи бирла дилингни,
Ёрутган эдинг ичу бошингни.
Ҳақ зикрида ўргатиб тилингни.
Сан боғладинг амриға палангни.
Давлат фалакиға моҳим энам,
Тожи сару зеби жоҳим энам.

Қилсун сани фазли Ҳақ таборак,
Эрдинг ҳаммамизға тожи торак.
Қилсун сани лутфи Ҳақки йўқ шак.
Жаннатда Хадичаға канизак.
Эй гавҳари тожи шоҳим энам,
Ҳам доий, ҳам паноҳим энам.

Жисмимгаким заъф бўлди оид,
Эрди рамазон бир фавоид.
Икки даҳа ичра бўлди ворид.
Раҳмат била мағфиратга шоҳид.
Эй раҳмати Ҳақ паноҳи энам,
Ҳақ мағфират айлагоним энам.

Ман маслаҳатимни кимга айтай,
Сан маслаҳатим эрдинг эмди нетай.
Сандек манга ким эмди бўла олғай.
Ҳам сўзни сендек айта олмай.
Эй маслаҳатим, салоҳим энам,
Ва, эй воситаи салоҳим энам.

Халлоқи жаҳон, Худои мутлақ,
Берди манга давлат ила равнақ.
Сандек эна манга лутф этиб Ҳақ,
Давлатини дуосидан // 114^б этди муштақ.
Эй мушфиқи меҳрибоним энам,
Дил сириға ҳамзабоним энам.

Асрори дилимға маҳрам эрдинг,
Доим манга сан мукаррам эрдинг,
Ҳар ишни қилурда ҳамдам эрдинг.
Элдин манга сан муқаддам эрдинг.
Эй боиси неқномим энам,
Ва, эй дуои субҳгоҳим энам.

Доим эл учун манга қилиб арз,
Шафқат бирла бўйла деб манга арз.
Ҳақ амрини тутки, адл эрур фарз,
Тутдим ани амрини билиб фарз.
Эй ҳодии раҳнамойим энам,
Ва, эй тожи сари кулоҳим энам.

Эй боиси давлатим ва жоним,
Қасримнинг чироғи ва хайрхоҳим.

Эл жонибидан сан узрхоҳим,
Раҳмат сани айласун Илоҳим.
Ҳар ишда дуонг паноҳим энам,
Қилмишда ишинг силоҳим энам.

Хони салтанатпаноҳининг жигаргўшаси Султон Муродхоннинг волидалариға **марсия** ва **қасидаи таъзия** учун йиғлаганлари будур:

Йиғлай сани ҳасратингда энам,
Бизлар сани фурқатингда энам.
Ўстук сани давлатингда энам,
Лутфинг бирла шафқатингда энам.
Гулдор малоҳатингда энам,
Гунча каби гулшанингда энам.

Эй лангари киштии вилоят,
Гулзори ҳадиқаи аморат.
Сандуқи жавоҳири аёлат,
Сўзларда ҳамма сўзунг фасоҳат.
Йиғлай саниннг фурқатингда энам,
Кундузу кеча ҳасратингда энам.

Жон роҳати дил мадори эрдинг,
Шаҳзодаларнинг паноҳи эрдинг.
Мазлум элининг додхоҳи эрдинг,
Хонлик ишининг силоҳи эрдинг.
Йиғлай саниннг фурқатингда энам.
Кундузу кеча ҳасратингда энам.

Топшурдинг аларни жумласини,
Султоним акомға уҳдасини.
Авлодларингни барчасини,
Гулзорларингни гунчасини.
Азми сафар этарингда энам,
Жаннат сари кетарингда энам.

Кетдинг (ташлаб) хон акомға бизни,
Барча ўғлунг ва жумла қизни.
Шафқат бирла анга барчамизни,
Қилдинг сафар айларингда энам,
Уқбо сари етарингда энам.

Дедим биз учун қилиб каромат,
Ҳақ тахтида сақласун саломат.
Таъзим ила иззату шарофат,
Тангри карам айласун давомат,
Биз сояи давлатингда энам,
Ўстук ҳамма ҳасратингда энам.

Тўраойим **марсия** тариқаси бирла волидасиға йиғлагани:

Шафқат фалакида моҳим энам,
Афлокға етушти оҳим энам.
Лутф айлагувчи паноҳим энам,
Меҳринг сани дастгоҳим энам,
Эй каъбаи қиблагоҳим энам,
Ва, эй қиблаю каъбагоҳим энам.

Атвори хуш ила //115^a доим ўстук,
Ҳақ бандалигида қойим ўтдук.
Такво била кунда соим ўтдук,

Ҳам шом ила субҳ коҳим ўтдук.
Эй каъбаи қиблагоҳим энам,
Ва, эй қиблаю каъбагоҳим энам.

Ҳасрат ила кунда йиғламайму?
Бута каби кеча бўзламайму?
Ахлоқи хушингни сўзламайму?
Йиғлаб сани эмди изламайму?
Эй каъбаи қиблагоҳим энам,
Ва, эй қиблаю каъбагоҳим энам.

Кўз нури машъал чароғим,
Лутф ила қилур эдинг сўроғим.
Эрдинг манга сан чароғ ёғим,
Гулзорим ҳам самарли боғим.
Эй каъбаи қиблагоҳим энам.
Ва, эй қиблаю каъбагоҳим энам.

Саҳрои олами фанода руҳ сайдининг ажал уқобининг сарпанжасиға гирифтор бўлуб, малак ул-мавт шикоргоҳида сайд бўлгани, вужуди латиф инсонни хоки тирада яксон бўлгани:

Одаму Ҳавони аввалда фано қилгон ўлум,
Анбиё боғини бебаргу вафо қилгон ўлум.
Асфиёлар жисми покин ерга жо қилгон ўлум,
Авлиёлар машъалини безиё қилгон ўлум.
Ногуворо шарбатини ҳалқасо қилгон ўлум.

Зубдаи авлоди олам соҳиби лавлокни,
Соҳиби меърожи қурбат соири афлокни,
Анбиёлар ашрафи бесоя жисми покни,
Турфани айлади охирда журми хокни,
Шамси анвори кўрунгим, ерга жо қилгон ўлум.

Ким Абу Бакру Умар, Усмону Алидур тўрт ёр,
Олам аҳлиға алардин шаръ топти иштиҳор,
Мунис эрдилар расулға барча ишда ғамгусор,
Бермади бир дам омон ул кун ўлум бўлди дучор,
Жисми покни аларни сурмасо қилгон ўлум.

Нури чашми мустафоқим, эрди ул хайрун-нисо,
Ашрафи Оли расул маъдани Оли убо,
Тебратурга бешикин Жибраилга амри Худо,
Бўлур эрди кечаси тойганда ул иффат пано,
Бўйла ташриқ ила сабтайнни жудо қилгон ўлум.

Эрди сабтайни расулаллоҳ Ҳасан бирла Ҳусайн,
Нури чашми Фотима захри Ҳасан бирла Ҳусайн,
Икки фарзанд валиуллоҳ Ҳасан бирла Ҳусайн,
Эрдилар дурри улуғ дарё Ҳасан бирла Ҳусайн.
Мунча ҳурмат бирла ерни хобгоҳ қилгон ўлум.

Кетдилар дунёда турмай барча авлоди расул,
Жумла асҳоб ҳурмат бирла аҳфоди расул,
Кетди асҳоби паямбар жумла мунқоди расул,
// 115⁶ Жумла ижро қилғучилар шаръу асноди расул,
Етса навбат жумласин бир-бир адо қилгон ўлум.

Бе...айлагай шаҳларни қасру айвонини,

Фақр элини елга бергай кулбаи вайронини,
Қутқаролмас ҳечким андин жаҳонда жонини,
Тафриқа қилгай жаҳон аҳлини хонумонини,
Ер юзинда жумла жонни зери по қилғон ўлум.

Нозанинлар юзини барги гулдек сўлдуруб,
Чашми шахло косасини туфроқ ила тўлдуруб,
Мўрларға ер ичинда жисми покин едуруб,
Танни ўз ҳолиға қўймай бир дам ором олдуруб,
Устухону рагу пайлардан жудо қилғон ўлум.

Одам аҳволиға тинмай кеча кундуз йиғлангиз,
Йиғламоқдин ҳолингизға бир дам ором олмангиз,
Ким йиғидин ўзга йўқдур Ҳақға савғо борсангиз,
Ҳақни даргоҳиға йўқдур мундин ортуқ тухфангиз,
Васл этарга ўзи элга ҳақ раво қилғон ўлум.

Таърихи вафоти исматпаноҳ ва ифатдастгоҳ Ҳокимойим марҳуманинг қасида тариқасида туркий алфози бирла адо қилгани:

Улки, қасру ҳарам ичида бонуйи исмат,
Нишемани ани эрди сародиқи иззат,
Фалакдак эрди ўғул манзарида рифъати ила,
Ким арз аҳлиға таважжух қилиб улув рифъат.
Жаҳонни тарбиятиға фалакда наздик,
Солурди барчани бошиға партави шафқат.
Улуска Ҳақни ризоси учун тараҳхум ила,
Карамни бобида ул кўргузур эрди сабқат.
Мудом барча ятим бирла фуқаро элини,
Ки шафқат ила қилур эрди аларни тарбият.
Анинг эди фуқаро давлатини соясида,
Ҳаводис исигидан тортмас эрдилар кулфат.
Ҳамиша ул уламо ва машойих аҳлини,
Тавозеъ ила қилурди мудом кўб ҳурмат.
Гиёҳу сабзаҳа андоқки эди абри баҳор,
Улусни бошиға ул эрди ёмғури раҳмат.
Ямон ва яхши мусовий эди мурувватдин,
Ҳаёт суви каби сабзасори бе иллат.
Ёруғлуқ эл топар эрди уруж фикратидин,
Килкида хур каби зоил қилурди ул зулмат.
Силоҳи давлати анинг ройи анваридин,
Топиб сафо ва жило ёнар кўзгу мулкат.
Жаҳонға келди шахдак ўғул мундек эна³¹⁶⁴,
... //117^a *Дуоларин қилур эл жонида бўлса жамият.
Онинг паноҳида эрди ҳамиша барча улус,
Мудом ажз элини ул қилурди таквият.
Жаҳонда келмагай ондек жаҳонпаноҳ ойим,
Улуска эрди иши шафқат ила хайрият.
Жаҳонни гулшанида бир гули вафо бўлмас,
Магарки, номи некўйи накҳати мидҳат.
Жаҳонни яхши ямони сифатида Анқодек,
Хайрдин ўзга асар канда қилмагин диққат.
Жаҳонни сафҳасида яхши ойиндур боқи,
Варақ юзида ёзилғон кўб топар шухрат.
Кел эй Ниёзий, сан акнун дуоларини қилиб,
Хирадга таърихи фавтини айла маслаҳат.

³¹⁶⁴ Шу ерда қўлёзманинг бир варағи йўқолган. Икки юлдузча орасидаги матн Ш.Воҳидов шахсий кутубхонасидаги “Готвальд” нусхаси асосида тикланди.

Дуо қилиб ҳақиқа айладим суол деди,
Бошиға тожи бақо қўйди (бўлди)доҳили раҳмат.

Тарих донишварлариға сўз булким, “тожи бақо”ки “бо” дурур “доҳили раҳмат”ға зам қилиб,
ҳисоб қилсалар таърих ҳосил бўлғусидир. Сана 1285/1868–1869.

Ҳазрат эшон Соҳибзоданинг икки мадрасаси таъриҳини қасида тариқасида назм қилиб китобат
ипига тортиб, эшитгувчилардан дуо тилаб келтирилди.

Хуршиди сипехри дину миллат,
Қутби фалаки тариқи қурбат.
Солори жунуди нақшбанди,
Шоҳаншаҳи маснади тариқат.
Дар ҳалқаи унс мажлисоро,
Султони ҳарамсаройи ваҳдат.
Аз жўшиши гармии алойиқ,
Чун шишаи софдилу саломат.
Манзур накарда мосуворо,
Бо ин ҳама жоҳу шону шавкат.
Нобуда дар ў ва тағйири ҳол,
Дар таъзия ва суруру сарват.
Холи шуда дил зи мо сиволлоҳ,
Чун ойина соф аз кудурат.
Он беадаби, ки аз адаб жуст,
Ҳақ дод адабаш надода муҳлат.
Шоҳеки зи рўйи худписанди,
Шуд мунҳариф аз раҳи ақидат.
//297 Аз феъли бадаш жазойи худ дид,
Бо жумлаи маҳрамони давлат.
Дар соли чихилу як дар ин мулк,
Овард шарафи қудуми иззат.
Бо хоҳиши дил намуд сукно,
То соли чихилу чаҳор муддат.
Баъд аз шараф зи дастбўси,
Қарданд уламо ва халқ иноят.
Ҳар кас, ки ба зоти қудсии ў,
Гардид мушаккак аз диёнат.
Аз шумии феъли бад сиришташ,
Сар дод ба бод аз жаҳолат.
Таъмири бинойи кўхпайкар,
Андохт ба зўри дасти ҳиммат.
Гўё, ки мисоли чор Албурз,
Бар боми фалак кашида рифъат.
Аз сақли гаронияш бикарда,
Ғабро ба маҳали худ сукунат.
Бо мадрасаи дарун чи гўйи,
Аз боиси таърихи тамомат.
Эй ақли хужастарой баргў,
Итмоми бинойи ин иморат.
Бо ройи савобдиди худ гуфт,
“Дар сол”и қарин “аз шарофат”.

Тарих билгувчиларнинг фарҳангдон ақллариға маълум бўлсинки, “дар сол аз шарофат” таърих
моддаси бўлиб келган. Сана 1284/1867–1868.

Ҳазрати эшон Соҳиб ва раҳнамойи тоиб бу бемадор олам ва беқарор бу макондан кўчган йили
ўзининг муборак даҳмаси иморатини қуриб битказди ва ўзидан кейин керак бўладиган барча
нарсалар ва зарур ашёларни таъминлаб, шаръий васиқлар билан мустаҳкам қилди. Бу бе ақлу нодон
ва қари ғулом, муридлик юзасидан, ақида ва ихлос билан ҳазрати эшон Соҳибзодам вафоти тарихини
назм ипига тортиб, ожизлик ва нотавонлигимдан гуноҳсизлигимдан келтирдим.

Мидҳати зоти шарифе, ки ман орам ба забон,

Шараф кард қудумаш ҳамаро файз расон.
Мужрии шаръи набий, пайрави асҳоби расул,
Ҳама раҳбарон ёфта азвай сомон.
//298 Аз ғубори қудумаш шоҳид мулки Хўқанд,
Баҳра чун шамсу зиё жабҳа чу найири тобон.
Гули гулдастай мужаддад алфи соний,
Низ дар боғи насаб меваи Оли Имрон.
Гавҳари зоти шарифаш ба саёдат пур об,
Гашта қадраш бигузашт аз фалаки қаҳкашон.
Арши қадре, ки ман аз ажз бигўям ҳад нест,
Сифаташро ба забон орам гўям ба даҳон.
Лек ҳастам, ки дар ин даргаҳ ғуломи ожиз,
Хожаро нест аз он беҳ шавад ожиз нолон.
Дахмаи оли бино кард ба худ соли вафот,
Маъдани файзи каломи ҳақ ва анвари сомон.
Ҳама шахру маҳаллот зи файзи шарафаш,
Ёфт ташриф чу аз касрати нури қирон.
Ин шарофот, ки дар мулк ато кард Худо,
Ҳама аз файзи қудуми шарафи шоҳи замон.
Соли итмоми бино жустамаш аз ақл бигуфт,
Ту ки пурсид зи ман гўямаш аз таърихи он,
Соли такмили бино гар ту бижўйи аз ман,
Ман бигўям ба ту аз “равза ва наими жинон”.

Возеҳ ва лоеҳ бўлсинки, “равза ва наими жинон”. Таърих моддасидир. Сана 1285/1868–1869.

Ту ба майдони вафоташ фараси хома давон,
То шавад мункашиф аз ту рақами соли замон.
Эй Ниёзий, кулаҳи ажзи ту дар арш расид,
Ин ҳама хосият аз хоки дари ў ту бидон.
Рўзҳои даҳа дар хатми каломи ло райб,
Кард изҳори сафар аз раҳи дил гирякунон.
Ҳама дар мажлиси дил ғўта ба рикқат хўрданд,
Рехт аз чашми ҳама хуни жигари муътакифон.
Урафо карда аз ойинаи дил кашфи рамуз,
Жўши тимсоли* қиёмат зи дили софдилон.
Дар мажлиси ҳайрат зада худро ба худ,
Соф аз ойина, нола зи ранги афғон.
Инчунин мавжи қиёмат ки аз ҳар дил сар зад,
Ҳашр дар зарфу пиёла шуда з-оҳи қаҳкашон.
Лутфҳо бар ҳама муътакифон рўзи сабақ,
Кард инҳо ҳама руҳсат бигрифт нола кунон.
Толибони деҳа гаштанд ба хурсандии дил,
Ҳама аз рўйи садоқат ба ватанҳо гирён.
Бидаромад дар ҳарам дар шаби аёми шариф,
Гўё чун шаби қадр аз шарафаш гашт макон.
Ҳама авлод чу ахтар шуда бар гирди мунир,
Шуда аз гармии шафқат ҳама фарҳат нишон.
Рўзи якшанбе ки дар сеюми шавол ба жисм,
Сақл ориз шуда беҳуд шуда он қутби замон.
Рўзи сешанбе ва дар шашуми шавол бикард,
Нақл аз ин олами фони ва зи дори ҳирмон.
Тоири руҳи латифаш ба ҳавои жаннат,
Кард парвоз аз ин олами дорул-фармон.
Ман, ки аз соли вафоташ зи хирад пурсидам,
Ба ман ў гуфт чунин “бо дили чандон афғон”.

“Бо дили чандон афғон” таърих моддасидир.

Иккинчи таърихни шундай айтган: “Доҳили раҳмату ҳам тожи бақо бар сари он”. Тожи “бақо” “бе” ҳарфидир ва уни “раҳмат” сўзи бошига доҳил қилсалар таърих ҳосил бўлади.

Таърихи сеюми он қутби замонро бинавишт,
Гуфт бар ман, ки чунон “килки қазо дори жинон”,
(Яна таърих):
Яке аз зарифони шуъбадагў,
Ба ман инчунин гуфт он некрў,
Ту соли вафоташ бигў инчунин,
“Чароғи умам” гашт таърихи ў.

Хилофат сажжодаси, ул рисолат дарёсининг гавҳари, вилоят маъдани ва шарофат маҳфилининг шамъи, саодат осмонининг хуршиди, саййидлик гулистонининг гулдастаси, назокат боғида ўсган дарахтнинг меваси, Субҳонаҳу таоло даргоҳига мақбул, мужаддади алфи сонийнинг руҳи, қиблагоҳисининг вориси, сажда тахтининг зебандаси, ҳазрати Соҳибзода байроғининг энг каттаси, оламдагиларнинг нури дийдалари, замона тўраси, яъни ҳазрати Эшонжон, унинг мартабасини Аллоҳ зиёда этсининг таърихи (пирлик мақомига)жулусини мадҳу қасида шаклида назм қилиб, бу варақларда сабт этилди:

Ба васфи кавқабони нури аломот,
Ба рутба ҳар як бо буржи самовот.
Бикўшам ман, ки дар боғи вилоят,
Ки ҳар як растаанд нахли каромат.
Зи васфи гавҳари он баҳри бе қар,
Муқаррар бар ажз ғаввоси хаёлот.
Кужо дар нақли инҳо бар расад ақл,
Зи ланги ожиз аст аспи фаросот.
Хусусан раста дар боғи вилоят,
Яке сарвеки, ҳамчун нахли жаннот.
Шарофат пойандози кудумаш,
//118^б Шуда меҳробу минбари пуршарофат.
Фурўғи шамъи фонуси вилоят,
³¹⁶⁹ Муҳаммадазиз Марғилоний. Тарихи Азизий // Қўлөзма, Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институт хазинаси. №11108.

³¹⁷⁰ Тарихи Азизий, 237-б.

³¹⁷¹ О разделении Ферганской области на уезды //Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (Бундан кейин ЎзРМДА), И–19-фонд, 1-рўйхат. 10-йиғма жилд, 1-4-в.

³¹⁷² Тарихи Азизий, 420-б.

ичидан манга қилур эди”³¹⁷³, деб айтилган сўзларида Муҳаммадазизнинг оғир рухий-психологик, ачинарли ҳаётининг ҳолати баён қилинган.

“Тарихи Азизий” асари фактларга бой бўлиб, унда ишонарли маълумотлар келтирилган. Муаллиф қайда тарихий асар ёки ахборотни кўрган бўлса, ишонганларини, ҳаёти давомида юз берган, ўзи кўрган ёки ҳақгўй қариялардан эшитганларини ёзиб борганини саҳифаларда таъкидлаб ўтгани манбага ишончни кучайтиради³¹⁷⁴.

Муҳаммадазиз баъзи воқеалар баёнидан олдин ёки ёзилгандан сўнг ахборотчиларнинг номларини ва манбаларини айтиб ўтади. Жумладан, муаллиф “Тарихи Нигористон” (Мавлоно Аҳмад ибн Муҳаммад ал-маъруф қози Аҳмад ал-Ғаффорий), “Табақоти Носирий” (Минҳожиддин Абу Умар Усмон ибн Сирожиддин Муҳаммад Журжоний), “Тарихи Гузида” ва “Нузхат ул-қулуб” (Ҳамдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Аҳмад Носир Муставфий Қазвиний), “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн” (Камолиддин Абдураззоқ ибн Жалолуддин Исҳоқ ас-Самарқандий), “Зафарнома” (Али Яздий), “Тарихи Аҳмад ибн Аъсам” (Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Аъсам ал-Куфий), “Масолик ва мамолик” (Ал-Истахрийники), “Ҳабиб ус-сийар фи ахбор афрод ил-башар” (Хондамир – Ғиёсуддин ибн Ҳумомиддин Муҳаммад) ҳамда тарихчи Муқаддасий, “Ҳидояи шарифи имом Бурҳонуддин”, “Тарихи Юсуф Сажовандий”, “Тарихи Хусрав Дехлавий”, “Тарихи имом Ёфеи”, “Марвнинг мухтасар тарихи”, “Самарқанд тарихи”, “Тузуки Темурий” номларини келтирган. Муҳаммадазиз “тожик” ва “сарт” сўзларига шарҳ беришда “Ғиёс ул-луғот”, “Сирож ул-луғот”, “Бурҳони қотеъ” ва “Мунтахаби ҳалли луғот” номли асарларидан фойдаланганлигини алоҳида кўрсатади³¹⁷⁵. Муаллиф келтирган бу рўйхати орқали кўп манбалардан фойдаланганлигини кўриш мумкин.

Муҳаммадазиз Марғилоний асари узбек тилида бўлиб, 5 боб, 166 фасл ва 436 бетдан иборат. “Тарихи Азизий” асарининг боблари қуйидагича номланган:

Муқаддима. 1 – 18-б.

Биринчи боб. Чингизхоннинг хуружи, айёми ҳукумати ва вориси тахтларининг урушлари баёни, 20 – 42-б.

Иккинчи боб. Султон Амир Темур кўрагоннинг қилган ғазовотлари, иқболи саодатлари, тариқаи шукуҳи салтанатлари, хуружи, куч-қуввати ва ҳукумати миқдори ва ҳам валиаҳд бўлган авлодлари баёни, 42 – 153-б.

Учинчи боб. Ҳар қайси касбу ҳунар пири рисоласи ҳақида, 156 – 222-б.

Тўртинчи боб. Фарғона мамолики, яъни соҳиби тахт ҳазрати хонларининг берган ёрликлари, 222 – 236-б.

Бешинчи бобнинг номи йўқ, лекин шу бобда XIX аернинг иккинчи ярмидан 1910 йилгача Фарғонада рўй берган сиёсий, ижтимоий ва хўжалик ҳаётидаги ўзгаришлар баён қилинган. 237 – 436-б.

Муҳаммадазиз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий” асарининг бешинчи боби оригинал ҳисобланиб, муаллиф XIX аернинг 60-йилларидан бошлаб тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг гувоҳи сифатида маълумот беради.

Асарда Туркистон янги тарихига оид маълумотлар йилнома тарзида баён қилинган. XIX аср охири Қўқон хонлигининг сиёсий воқеалари: Худоёрхоннинг тахт тепасига охирги марта (1865 йил) келиб, “охирги сафар яна тахтга ўтирсам, ҳаммага тенг подшо бўламан, бирини биридан фарк этмайман”, деб Парвардигорга шарт ва ваъда қилгани, Худоёрхон давлати тобора кундан-кунга катта бўлса ҳам, лекин юртларнинг аксар ерларини ўрислар келиб босиб олиб қўйганини маълум қилади³¹⁷⁶.

Муҳаммадазиз 1870 йилларда Худоёрхон ўз қўшинларини кўпайтирганлиги (шундан суворий аскарлар сони 25 мингга етган), қишлоқ ва шаҳарларга мардикор солиғи солиб, “Улуғнаҳр” ариғини казиб тугатганлигини, Отакул исмли ботирбошининг кўрсатган зулмларини, яъни “қари мўйсафидлар чарчаб дам олиб турганини курса ё эшитиб қолса, дарҳол калтакка” ётқизгани, ҳатто, бир мўйсафидни тупроқ тагига кўмиб юборганини ва яна (бир) ясовул сўзларига қараганда, “Улуғнаҳр”нинг кўтарма қирғоғидан сув уриб кетиб тўхтата олмаганидан “Тўхтасин” исмли кишиларни қирғоқ остига кўмиб юборганлиги ҳақидаги маълумотларни беради³¹⁷⁷.

Булардан ташқари у, 1873 йилда Худоёрхон “махрум мерос” (меросдан махрум) деган буйруқ чиқариб, ўзининг даврида оламдан ўтганлар қолдирган меросга хон ҳам даъвогар бўлиши

³¹⁷³ Ўша жойда. 421-б.

³¹⁷⁴ Ўша жойда. 8-б.

³¹⁷⁵ Ўша жойда. 210-216-б.

³¹⁷⁶ Ўша жойда, 312 -б.

³¹⁷⁷ Ўша жойда, 312 – 313-б.

натижасида хонликда ички низолар кучайиб кетганини; Пўлатхон кўзғолони, Абдурахмон офтобачи ва Мулло Исо Авлиёлар тил бириктириб, Саййид Насриддинбекни хон кўтариб, Султон Муродбекни Иккисувга юборганлигини, Худоёрхоннинг рус ҳукумати билан яқинлашганини, лекин шунга қарамай “генерал-губернатор фон Кауфман – яримподшо ҳамма тўпу тўпхона, саллоту аскар, қозоқ, ўрус, хазинаю дафиналар ва жуда кўп лашкар билан Тошкандан чиқиб, Хўжандга келиб ўтиб, Махрам рўбарўсига келиб тушибди. Эрта билан жангу муҳориба ўладиган жойнинг рўбарўсига келиб, назорат қилиб, саллоту генерал, военный сардор, пулковник катта тўралари... тайёр бўлиб туриб”, Фарғонада тинчликни таъминлаш баҳонасида хонликни босиб олгани жараёнини батафсил ёритган³¹⁷⁸.

Муаллиф воқеалар тафсилотини давом эттириб, Насриддинбек, Отакул баҳодирбошининг яримподшога иззат-икром кўрсатиши, Отакулнинг халқдан уруш жаримаси – лак пули йиғиб олишидан ғазабга минган халқ уни ўлдириши, Пўлатхоннинг ўрисларга қарши кураши ҳақида маълумот берган³¹⁷⁹.

Узаро урушлар, қирғизлар, қипчоқлар, сартлар ўртасидаги низолар оқибатида ўлка ўрис ҳукумати томонидан босиб олинди. “Искоблиф (Скобелев) ни Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман – яримподшо Фарғона музофотида военный губернаторлик мансабига тайинлаб”, уездлар устидан назоратни кучайтирди ҳамда “Хўқанд шаҳри ичига бир ҳоким, ташқарисидаги ҳамма қишлоқларни уезд қилиб, унга бир ҳоким тайинлади. Андижон, Ўш, Наманган ва Риштоннинг ҳар қайсисини... ўз номида уезд қилди”, деб ёзади.

Муҳаммадазиз бу маълумотларни, яъни хонлик ҳудудида битта шаҳар бошқармаси ва 7 та уезд ташкил топганини архив материаллари ҳам тасдиқлайди³¹⁸⁰.

Мамлакатнинг ўрис маъмурияти кўл остидаги ерли аҳолининг моддий аҳволи, зулмнинг кучайиши, сиёсий чиқишлар муаллиф назаридан четда қолмаган. Мингтепалик Дукчи эшон кўзғолони ҳақида кенг тўхталиб, кўзғолоннинг бошланишидан ўрис тўралари хабар топгани, уни мингтепалик мингбоши Абдуқаҳҳор пристав Каретуф (Коретов)га билдирганлиги, лекин эътибор берилмаганлиги, кўзғолон ва унинг бостирилиши, оқибатлари ишонарли фактлар билан ёритилган. Муҳаммадазиз Дукчи эшон ҳақида ёзиб: “...халифанинг ўзида бир гуноҳ йўқ экан. Ниҳоятда шунча хислати бор эканки, ўзи меҳмондўст, дастурхонлик ва ошлику нонлик киши экан. ...Андижонда хўб тергов икром қилдириб, кўл қўйдириб, сўнг ҳукм қилиб, дорга осиб ўлдириб, жасадини оҳак ичига солиб, номаълум жойга мадфун (дафн) қилдилар”³¹⁸¹, – деб хабар беради.

Муаллиф кўзғолон оқибатларини кўрсатиб, мингтепалик аҳолининг ерлари тортиб олиниб, улар тақир ерларга кўчирилиб “подшонинг марҳамати билан янги қишлоқ бино бўлиб, номини Марҳамат волости деб ном қилинди ва ўрусия мужиклари кўчириб, олиб келинган”, деб хулоса қилади³¹⁸². Бу маълумотларни архив, материаллари ҳам тасдиқлайди³¹⁸³.

Муаллифнинг: “Мингтепа қишлоқдан Муҳаммадали халифа хуруж қилиб шундай шўришлар зухурга келган бўлса ҳам, обрўйи шунчаки, оқподшо импротури аъзам ҳазратлари полковник зиммасига айб қўймабди, балки катта ўринга кўтарибди. Марғилон уездидан олиниб Тошкандда жондорол (генерал)лик ўринга бориб турурга ёрлиғ келди”³¹⁸⁴, – деб кўрсатиши кишини бефарқ қолдирмайди. Балки ўрис маъмурлари чуқур ўйланган мақсадларини амалга ошириш учун ҳам кўзғолондан хабардор бўла туриб, унинг олдини олмаган бўлишлари мумкин дир.

Асар муаллифи ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида бўлган ўзгаришларни, воқеаларни ишонарли қилиб келтирган. Жумладан, ҳокимлар янги ўзлаштирилган ерларни танобчиларга ўлчатиб, “нечта ададдан аъло, авсат (ўрта), адно (паст) ерлар борлигини ёзиб, ҳар қайси экиннинг аҳволига қараб дафтар қилиб, ...подшолик ерларигача ва вақф ерларигача ажратиб”³¹⁸⁵ солиқ оладиган бўлганликларини ёзади.

Муҳаммадазиз Марғилонда ипакчилик ривожланиб борганлигини “авваллари курт тутсалар ўлиб қоларди, Тумич (Томич – Ш. В., С.Д.) тўра даврига келганда фарангий Алвизитўра Оқпиллол

³¹⁷⁸ Ўша жойда, 320, 322 – 324-б.

³¹⁷⁹ Ўша жойда, 320 – 324-б.

³¹⁸⁰ Об определении границы в Ферганской области // УзРМДА, И–1-фонд, 77 рўйхат, 1523-йиғма жилд, 3-б; Тарихи Азизий, 312-б.

³¹⁸¹ Тарихи Азизий, 380–382-б.

³¹⁸² Ўша жойда, 384-б.

³¹⁸³ Работы в новом посёлке Минг-Тюбе // ЎзРМДА, И–19-фонд, 1-рўйхат, 24170-йиғма жилд, 205-б.

³¹⁸⁴ Тарихи Азизий, 380-б.

³¹⁸⁵ Ўша жойда, 358–360-б.

қишлоғига келиб пилла тутиб, тоза уруғ берадиган бўлди. Шундан бошлаб қурт пилласи таракқий қилди”, деб хабар беради³¹⁸⁶.

Француз – Йокима Алоизи 1860 йил 2–14 сентябрида Россия ва Австрия ўртасидаги тузилган савдо шартномасига мувофиқ аввал Россияга, 1885 йилда Тошкентга келган. 1893 йилда ипакчиликни ривожлантириш мақсадида бепул мактаб очган. Архив ҳужжатларида француз тилидаги хат ва ипакчиликни ривожлантиришга оид Франциядаги ипакчилик ташкилотининг маркали қоғозлари сақланган³¹⁸⁷. Россия ҳукуматининг бу сиёсати жаҳон бозорига чиқиш учун ҳаракат ва Туркистон иқтисодиётини хом ашё манбаига айлантиришнинг муҳим тадбирларидан эди.

Асарда Марғилон уездининг серҳосил ерларига, ҳатто, ғалла экиладиган ерларига ҳам америка пахтасини экиб кўпайтириб, мўл ҳосил олинганлиги, “Фарғона музофотида савдогарлар кўриб, эшитиб, унган пахталарни ва пиллаларни атроф Русия музофот савдогарлари жамланган ақчаларини юбориб харид қиладиган бўлганлиги [натижасида] подшолик, хазиналик пуллар (солиқ пуллари) дафъатан ундириладиган бўлиб қолган”лиги ҳақидаги маълумотлар ҳам қайд этилган³¹⁸⁸.

Муаллиф ўрислар ўлканинг ер усти бойликларидан ташқари ер ости бойликларидан фойдаланганликлари ҳақида ҳам хабар беради: “...тарих 1875 инчи масихо йилида ўрус дўхтири (исми Герман эканлиги аниқланди – Ш. В., Д. С.)... Олтиариқ билан Чимён орасидаги даштни ва қир тепаларини айланиб кўриб, бир жойдан аз рўйи тажриба ёғ (нефть) борлиги аломатини топибди... Зоҳиран бурун замонда ўтган подшолар шундай ёғларни излаб, шу жойдан топиб, ер остига зинапоя қилиб, ёғ олиб чиққан экан... Қачонким вагон (оташароба) келди, ул маъдан жойларга машина ва усталар олдириб келиб, фаранг уста [лар] корхоналар бино қилиб, охири хазина бўлди... Олтиариқ ва Чимён шаҳри азим бўлди”³¹⁸⁹.

Мустамлака даврида пахта ва пилла нархининг юқорилиги туфайли ғалла экиладиган ерларга пахта экилиб, пахта яккаҳоқимлиги қарор топганлиги, бунинг оқибатида ўлка ғалла танқислигига учраб, буғдой нархининг ошиб кетиши билан иқтисодий қийинчиликларнинг юзага келганлиги ҳам муаллиф эътиборидан четда қолмаган.

“...атроф мамоликлардан ҳар қанча вагонда ғаллот келса, ...бир ҳафта, икки ҳафтадан ўтмасдан туриб, ҳаммаси сотилиб кетар эди. Лекин одамларни кўплигидан ҳар қанча ғалла келгани билан асло арзончилик бўлишига ақл унамайди. Ҳар кунда ҳар бир миёна рўзғорга бир сўм ва катта рўзғорга бир ярим сўм, кичик рўзғорга ярим сўм етмайди. Бойда ҳам фойда ва манфаат кам, шу важҳдан фуқаро қийналгандир”³¹⁹⁰, – деб ёзади тарихчи.

Муаллиф: “Қўқон хонлари вақтида Фарғона аҳли орасида пул оз эди ва нарх арзончилик эди. Ёз фаслида бир ароба ҳандалак икки ярим тангадан 5 тангагача турганлиги, бир ароба қовунни 3,5 тангага сотиб олганини биламан”; “Бир сават ўрик уч мирий эди”, “Бир тангага 40 чакка берур, бу чакқани ҳамёнингизга солиб бозорга бориб то кечгача сарф қилишингиз мумкин эди. Чунончи ҳозирда гурунчининг баҳоси уч танга”, – деб даврлар ўртасида фарқни таққослаган.

Марғилондаги нарх-наво ҳақида Марғилон уездининг бошлиғи ёрдамчиси уезд ҳокимига ёзган билдиришномасида (1898 йил) бир пуд ун 80 (коп) тийин, бир пуд буғдой 70 тийин, бир пуд гуруч 40 тийин, бир пуд мош 55 тийин, зиғир 80 тийин турганлиги ҳақида маълумот берилган³¹⁹¹. XIX асрнинг охири Россия пулида 1 танга – 15 тийинга, 1 тилла – 4 (руб) сўмга тўғри келган³¹⁹². Бу далиллар муаллиф маълумотларига мувофиқ келади.

Чор ҳукумати уз мустамлакаларида шундай тизимни жорий этгандики, юқори ва ўрта раҳбарлик лавозимларда ҳарбий ўрис тўралари иш олиб борарди, маҳаллий аҳоли эса қуйи даражали амалларга ва қора ишларга жалб этиларди. Уларга нисбатан ўрис амалдорларига юқори ҳақ тўланган. Урис мирзабошилари 30 сўм, осиёликларга 20 сўм иш ҳақи берилган³¹⁹³.

Муҳаммадазиз Марғилон уезди ҳокимлари ва уларнинг олиб борган сиёсатлари тўғрисида ҳам фикр юритади. Сиёсий зулм, иқтисодий қийинчиликдан қийналган халқнинг аҳволини баён қилиб, хонлик давридаги ҳаётни қўмсаб шундай ёзади: “Мулк қилмоққа кишиларни ихтиёри йўқ. ...одамлар охираш ишини нлгарироқ қилиб, дунё ишини кечроқ қилур эдилар. ...одам азиз, ош хор эди. Валекин

³¹⁸⁶ Ўша жойда, 366-б.

³¹⁸⁷ О шелководстве в области // ЎзРМДА, И–19-фонд 1-рўйхат-24956-йиғма жилд; яна қ. И–19-фонд, 1-рўйхат, 24439-йиғма жилд; И–19-фонд, 1-рўйхат; 24604-йиғма жилд.

³¹⁸⁸ Тарихи Азизий, 402-б.

²⁴ Ўша жойда, 406-б.

³¹⁹⁰ Тарихи Азизий, 406-б.

³¹⁹¹ Оразрешении капитану Герману разработки «открытых им нефтных источников в Маргеланском уезде» // Ўз РМДА, И–19-фонд, 1-рўйхат, 23033-йиғма жилд; Яна қаранг: Жамолов И. Нобел ва Туркистон // Фан ва турмуш, 1988, №1. – Б.6-7.

³¹⁹² Тарихи Азизий, 406-б.

³¹⁹³ Ведомость о справочных ценах по Маргиланскому уезду // Ўз РМДА, И–19-фонд, 1-рўйхат, 36574-йиғма жилд, 5-55 в.

олим ва муллонинг олдида бойлар дунё иши тўғрисида сўзламоққа ҳадлари йўқ эди. Бечора, кашшок одамлар оч қоладиган вақтларда бойлар олдида бориб қарз сўраса, топиб берар эдилар ва ё галла сўраса, берар эдилар. Агарда вақтида топиб беролмаса, закотиға ушатарди”³¹⁹⁴. “...мусулмон подшолари вақтида бешдан бир хирож кўтарар эди ва қирқдан бир закот олур эдилар. ...ўрусия экин элмаган ерларга ҳам то баҳя полигача таноб тортиб, ... [солиқ] олиб туради. Бозорларда нархлар арзон бўлиб тургани учун фуқаролар подшолик ҳақларини ўз вақтида пул жамлаб беролмасдан кўп қийналдилар”³¹⁹⁵.

Асарнинг “Эски Марғилон шаҳрида бўлмиш маъруфу машҳур аҳли тужжорлар” деб номланган фаслида масжид-мадрасалар, мактабхоналар қурган ва вақф тайинлаган кўп саховатли ва ҳурматли шахслар ҳақида маълумот беради. Масалан, Исмоил Махзум, катта бозордаги Хиштин мадрасасини бино этиб, ёнига ҳаммом солиб, мадрасага вақф тайин қилган экан³¹⁹⁶. Худоёрхон муҳри босилган вақфномада бу ўз аксини топган³¹⁹⁷. (Вақфларга ўрис ҳукуматининг салбий муносабати ҳақида архивда материаллар мавжуд³¹⁹⁸).

Шунингдек, Муҳаммадиброҳим, Мир Салимбой, Муҳаммадкарим, Ҳожи Азим бойвачча, Бобоёр Мирзо, Муҳаммадшариф Мирзо ва Маржонқизбой номли тожир ва заводчи бойларнинг номларини келтириб, маданий-маърифий ишларга қўшган хизматларини айтиб ўтади.

Муҳаммадазиз Марғилоний асарида бошқа манбалар қатори Қўқон хонлиги тарихи, сиёсий, иқтисодий ҳаётини батафсил баён этиши билан бир қаторда Фарғонанинг ўрислар томонидаи босиб олинишини, кейинги сиёсий тузум, ўрисларнинг маҳаллий аҳолига бўлган аёвсиз муносабатларини ҳам баён қилади.

Шуни таъкидлаш ҳам жоизки, асарнинг мазкур 5-боби ниҳоятда мураккаб ва ғализ тилда ёзилган. Бизнингча, “Тарихи Азизий” муаллифнинг бўлажак асарининг қораламасига ва Муҳаммадазиз уни қайта ишлашга улгурмаганга ўхшайди. Ушбу бобга муаллиф томонидан ном қўйилмаган ва биз унинг мазмунидан келиб чиқиб “Фарғона Россия мустамлакаси даврида” деб ном бердик.

Асарнинг шу қисми Ўзбекистоннинг янги тарихини ёритишда муҳим ва ишончли манба эканлигини ҳисобга олиб, жузъий таҳрир ва изоҳлар билан нашр этилмоқда.

³¹⁹⁴ Федоров М.Н. О ценах на рынках Бухары XIX-XX веке // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1997. – №9-11. – Б.73-81.

³¹⁹⁵ Ўз РМДА, И–19-фонд, 1-рўйхат, 2221-йиғма жилд, 14 в.

³¹⁹⁶ Тарихи Азизий. – 401-б.

³¹⁹⁷ Вақфномалар Ш.Воҳидов архивида сақланади.

³¹⁹⁸ Ўз РМДА, И–19-фонд, 1-рўйхат, 34728-йиғма жилд, 3-5, 10-18 в.

[ФАРҒОНА РОССИЯ МУСТАМЛАКАСИ ДАВРИДА]

...Худоёрхоннинг охириги марта келиб Хўқанд пойтахтига ўтиргандан кейин¹ [ҳамма] билиттифоқ бориб, салом бериб хизмат қилдилар. Валекин, Худоёрхоннинг ўзи ҳам ҳеч бир жамоага хусумат ва гина қилмасдан ҳаммага баробар ҳукумат қилди. Чароки (негаки) охириги сафарида “яна тахтга ўтирсам ҳаммага тенг подшо бўламан, бирини биридан фарқ этмайман”, деб парвардигорга шарт ва ваъда қилган экан. Агарда қипчоқия² ва қирғизия³ ва Худойқулихон⁴ Худоёрхоннинг ўшал ваъдасини эшитсалар эди, олдига истикбол(га) чиқиб борур, Еқуббек⁵ олдига [Қошғарга] бормас эдилар. Нима бўлса ҳам Худоёрхон давлати тобора кундан-кунга катта бўлди ва юртларнинг аксар жойини ўрусия келиб олиб қўйган⁶ ва дахли оз учун [хон] давлатхоҳи Мулло Исо Авлиёдек⁷ дунё топиб хазина тўлдирадиган одамларни топиб олиб, хазинани тўлдирди. Ва ўйлаб: “Урусия билан урушмайман. Бож хирож бериб туришни хоҳлайман. Пулни кўпайтирсам бўлар экан. Бошқа томондан келадиган ёв йўқ. Бо ҳузур айшу ишрат қилиб ётаман”, – деб муқаррар қилибди. “Яхши[си] анбаркокули моҳрух (ой юзли), мурчамиёни ғаб-ғабтамоғ (нозик белу, бақбақали), сунбулмўйи дароз қомат (баланд бўйли), лоларухсори дарозгесу (лола юзли ва узун сочли), гўштсону соққушод, қуштомоғи шўъла чашм (нур таратувчи), пистадахани (писта оғиз) товусрафтор (товусга ўхшаш), суманхирому (хиром қилиб юрувчи) ҳайдаркокулларни иложи бўлса, ҳар ҳафтада биттасинн топсам менга бул давлат ғанимат эмасму?” – деб жамшедиморат, фаридунбуют, гумбази манучеҳрлар (Жамшид, Фаридун ва Манучеҳрлар каби катта иморатлар) тартиб бериб, хўб давру даврон сурди. Ўғли Насриддинбек⁸ ва Урмонхонбек⁹лар тўпларини хўб дабдабалар билан ўтказди. Урусия иззатини ҳам мақомида қилиб турди.

Қазодан Маллахон¹⁰нинг ўғли Саййид Муҳаммад Султон¹¹ мусофиратчилик кўнглига тегиб: “Нима бўлса ўз амакимдур, нима ўрин берса ҳам хизматида бемалол ўйнаб юраман”, – деб орзу қилиб, амири Бухоронинг хизматидан қочиб, Хўжанддан ўтиб ариза юборибди. [Худоёрхон] аризани ўқиб чиқиб, юраги ёрилиб, бир давлатхоҳи (мухлиси) билан жаллод юбориб, кечаси ўша ариза юборган жойда қатл қилиб, Хўқанддаги Дахмай Шоҳон¹²га келтириб, дафн қилибди. Баъзилар, ўшал мақтул бўлган жойда дафн қилди, деб айтадилар. Қандай ажал уни бошлаб келган экан? Ҳам раҳматли Аҳрорхонтўрамни ўшал вақтда [Худоёрхон] бир хилват жойга бошлаб бориб сўйдириб келибди. Кўп ғайратли, баҳодири мубориз киши эдилар. Афсус, минг афсус!

Худоёрхон саллотлари (аскарлари) сонини жуда кўпайтирди ва яхши тўпларни мавжуд қилиб, яхши милтиқларни Исломбул¹³дан олдириб келди. Яхши усталарни топиб келиб, ўшандай милтиқ ва тўппончалардан кўпайтирган эди.

Ўрданинг иморатларини битириб ва бозорларда янгидан расталар ва дўконлар бино қилди. Хўқандда бир Мадраса бино қилдириб, сўнгра ўз онаси [Ҳаким ойим]нинг номига мусаммий қилдирди (номлади). Яхши хазина сарф қилмагани учун ҳозир мадраса иморати ёрилган.

Укаси Марғилон ҳокими Султон Муродбек¹⁴ ўшал мадраса муқобилига бир яхши мадраса солди, устига кўп пул сарф этиб, кўп вақфлар тайин қилди. Марғилон бозори – Читфурушлик тўғрисида бир яхши сарой бино қилиб, шу мадрасага вақф қилди. [Қўқонда 250 та чит дўкони бўлган].

Худоёрхон охириги асрида қипчоқ Мусулмонқули¹⁵нинг ўғли Мулло Абдурахмон¹⁶га кўп ривож бериб, ўзига вазири аъзам (катта вазир) қилиб олди. Кўп улуғ қилиб қўйди. Зоҳиран “қипчоқиянинг каттасини ўғлидир, бир ҳожатимга ярар”, деб шундай улуғ қилиб ривож берганга ўхшайди. Шулу Мулло Абдурахмон хоннинг ҳақиқага ҳар қандай сўзларни сўзлайдурган бўлди. Хон эшитса ҳам бирор сиёсат қилмас эди. Биринчи қилган кибри шулки, хондан жавоб олмасдан бир кечада Хўқанд худудидан чиқиб кетиб, ҳажга бориб тавофи ҳарамайни ашрафайн (икки муқаддас шаҳарни тавоф – зиёрат) қилгандан сўнгра, Хўқандга келиб хон ҳузурига келди. Хон ҳеч бир сўз изҳор қилмабди.

Ундан сўнгра ҳамма шаҳарларга “мардикор солиғ” солиб, фуқаро қуввати билан “Улуғнаҳр”ни қазиб, неча йилларда зўрға битирди¹⁷.

Ёрмазорлик бир сипоҳ [Норқул] ясовул¹⁸ менга нақл қилдики: «Худоёрхон бу Улуғнаҳрни қазиб турган ҳар қайси мардикорларни қамаб, тепаларига Отақул баҳодурбоши¹⁹ни тайин қилиб қўйган эди. Мени Отақул баҳодурбоши катта капаси олдида ясовулликка тайин қилиб қўйган эди. Ботурбоши бу мардикорларга шу даражада қаттиқ азоб берарди. Аксари қари мўйсафидлар чарчаб, дам олиб турганини курса ё эшитиб қолса, дарҳол калтакка ётқизар эди. Иттифоқан бир қари кишининг оёғига бир мардикорнинг кетмони тегиб, мажруҳ қилибди. Чол ўрnidан туролмасдан йиғлаб қолибди. Ботурбоши узоқдан келаётиб кўзи унга тушиб, отини югуртириб келиб, баланд овози билан ҳақорат қилиб: “Нима учун ўтирибсан, ишламайсан?” – дебди. Мўйсафид кетмон теккан жойини кўрсатиб йиғлаб турибди. Дарҳол бир гуруҳ мардикорни чақириб: “Пойини тагига ётқиз”, –

деб буюрди. Мардикорлар ётқиздилар. [У:] “Устига тупроқ тортиб кўмиб юбор”, – деди. Устига тупроқ тортиб кўмиб, босиб ташладилар. Ботурбоши кетгандан кейин шунча мардикорлар йиғлаб, кўз ёшларимиз тўхтамади ва кечаси билан дуоибад қилиб чикдик”. Мен кўнглимда ҳамиша келтириб ўйлар эдим: “Хон билан баҳодурбошининг аҳволлари [охиратда] қандай бўлар экан?” – деб.

Дарвоқе, [кейинчалик] Отакул баҳодурбошини фуқаро халқи кўп хору зор қилиб, чала ўлдириб ташладилар. Худоёрхон ва ҳам Султон Муродбеклар жасади ва авлод уруғлари кўп хору зор бўлди. Ҳатто, Худоёрхоннинг ўзи ҳам ҳаж қилиб қайтиб келиб, афғон юртида [Каррух деган мавзеида] доруломон хонақоҳларида ўлимини топди.

Ҳосил калом, Норқул ясовул сўзига қараганда Улуғнаҳр [кўтарма қирғоғи] остидан чиққан сув тўхтамагандан сўнгра, “сув тўхтасин” деб, бир неча адад номи Тўхтасин деган одамларни Улуғнаҳр [сув урган қирғоқ] остида ерларга кўмиб ташлаган эканлар.

Эй ёрони азиз ва бародарони мўмин! Шул жойга келганда бир нарсани инсоф қилиб айтинг! Қайси кўнгил шу ишга тоб берадур? Қайси кўл шул ишга югурадур? Бир марди мусулмон калима келтирса, ожиз мўйсафид бўлса, мажруҳ бўлса, ўзи тирик ва илтижо қилаётганда бошқа қотиллари “мусулмонмиз”, деб туриб, ул золими худобехабарни ман қилмайдилар?! Бо вужуди хон яқин бўлса ҳам ун[га] айтмайдилар. Мусулмончилик ва бир-бирига қиладиган шавкатимиз миқдори шу мартабага келиб қолган экан, шу учун ҳам золим омилларни ва золим подшоларни бошимизга мусаллат (ҳукмрон) қилган экан!

[Хон] бу Улуғнаҳрни қаздириб, Асака²⁰ деган мавзенинг юқори[си]да чархипалак қилиб, сув олиб чиқаман деб ва ҳам қирларнинг лабларида ариқ қаздириб, кўп юртларга мардикор солиб ишлатди. Гўристонларни буздириб, “ҳар жамоа ўз устухонини топиб олиб, бошқа қабристонларга кўмсин”, деб буюриб, “ўрнини бозори нав қиламан, ўрда қиламан”, деб хон вақфларигача сарфу суруфлар қилиб юрди. Сўнгра неча вақтларгача у шикор(ов)га машғул бўлди. Хусусан, тўнғуз овини кўп қилиб юрди. Баъзи ноқиллар нақл қилур эдиларки, “хон тўнғуз ов қилиб, сўйдириб, қонларини катта хумларга солдириб, ер остига кўмиб ташлар эди”, деб. “Нима важдан шундай қиларди ва нимага сарф қилар?” – деб сўралганда, “билмадик, зоҳиран бирор ҳикмат бордир”, деб айтар эдилар.

Хон куз фасли келган вақтида Хўқандга қайтар эди. Орқасидан қирқ-эллик адад халқи ёш гўдаклари билан келардилар. Бу аробаларни енгиб (ҳайдаб) ва мутассадий (масъул) бўлиб юрадиган, хизматларини ва муҳофизатларини қиладиган аскарлар ҳаммаси қул-ғулумлар эдилар. Худоёрхон Хўқандга, катта ўрда жойига бориб тушгандан сўнгра бақолдоқ ўйнарокни яхши кўрар экан ва саркарда вазири аъзамлари ҳам табиатчилик қилиб, ўйнарок эканлар. “Нима ҳикмат бор эканлигини ҳеч ким билмайди”, – деб ёрмазорлик эски сипоҳлар²¹ шундай нақл қилур эдилар.

Худоёрхон кейинги асрида дуохонликка ҳам ўрганган экан, аммо ўзи кўп улуғ сифат ва лекин ўлдирмоққа ҳайф (арзимайдиган) хон эди. Аммо ёшлиги ва аввалги асру давронида пайваста катта куфтак итларни йиғиб, кўп уруштирар эди ва кўп таажжубли хон эди. Валекин ғаюрли (қайсарроқ) хон эди. Охирги асрида ўз ғаюрлиги, ғайрат ва ихтиёри билан бирдан: “Мени тахти маврусимга (мёрос қолган тахтимга) ўтирганлигим жами 45 йил бўлибди, шу 45 йил ичида кимки “марҳуми мерос”²², ўз ворисини қилиб васиқа қилган бўлса, ҳаммаси[ни] бекор қилдим, ҳамма қилган васиқалари ва иқроп бўлғон ҳукмларини бўлмоққа ва ворис тенг қилиб васиқаи жаид (янги) қилиб олмоққа ҳукми султоний қилдим”, – деб тахтига ўтириб олди. Ана энди оламини бузилиши, ғавғо-тўполон қиёмати сағирнинг кўзғалганини кўринг эди?! Хўқанд, Марғилон²³, Андижон²⁴, Ўшу²⁵ Намангон²⁶нинг катта уламоларининг бошлари тафаккурга тушиб йиғлаб, хонга арз қилдиларки: “Шариат бузилади, вайрон бўлади, сўнгра оламу одам хароб бўлади, тахту бахтингиз қўлдан кетади. Ҳаммаларимизга Парвардигори олам қадр сифати билан наззора қилса қабоҳат бўламиз”, – деб насиҳат қилибдилар.

[Хон] ниҳоят ғазаб қилиб, ўринларидан бекор қилар ёки урар эди, бўлак ситамлар қилар эди. Бир ҳафта, ярим ҳафтадан сўнгра Худойим инсоф берса, пушаймон бўлиб қолар эди. Худо ва махлуқи олдида азизу мукаррам бўлиб, ҳаёт саҳифаларида таҳсин бўлинар эди. [Уламолар] бундай ҳимматни қилмадилар, [хондан] кўрқиб васиқаларни йиртиб, тақсим қилиб, васиқасини янги қилиб, муҳронасини катта-катта талаб қилиб олдилар. Валекин одамлар арз қилмадилар ва хавфу ҳаросда (кўрқувда) бўлдилар. Бу хилофи шаръ ва хилофи қоида ишларни бошлаб қилгандан сўнг, улардан олинган даромадларнинг ўзи алоҳида катта бир хазина бўлди, бу даромадга қараб хон ва ҳатто, қозилар ҳам кўп бадавлат бўлдилар. Неча вақтларгача бу тўғридаги ишлар тамом бўлмади.

Хон, беку қозиларнинг машғулликлари [шу ишлар] бўлиб турган вақтда, аввалдан ҳазрати Аюб паяғамбар мазорларининг юқори тарафларидаги қирғизлар ўз ихтиёрлари билан хон кўтарибдилар. Хон Маъмур²⁷ хуруж қилиб, Худоёрхонга кўп ҳадик – ташвиш солаверди. Худоёрхон укаси

Марғилон ҳокими Султон Муродбекни кўп аскар ва тўпу тўфхоналар билан юборди. Улар ишни тамом қила олмасдан тоғлар ичида кўп саргардон бўлиб қайтиб келдилар.

[Кўзғолончилар] иккинчи марта келиб, зарба бериб бесаранжом қилганда, яна аскар ва тўпу тўфхонани катта олот ва ускуна билан юборди. Тоғлар орасида душманни тополмасдан ноилож шикасту зарарлар кўриб, гуноҳсиз бўлак кирғизларни банди қилиб, ҳамманинг кўтларига ёғоч қоқиб, хуни ноҳақлари[ни] тўқди.

Учинчи сафарда Фўлодхон²⁸ деган киши ҳамма кирғизияларга хон бўлиб хуруж қилди. “У фалон мавзегга кетиб қолди”, деб гап тарқаганда Худоёрхон ўйлади: “Шул Мулло Абдурахмон офтобачи²⁹ вазиримни, Мулло Исо Авлиё қайнимни бирга юборсаммикин?”, – деб. “Мулло Абдурахмон қипчоқияси билан, Исо Авлиё тамоми сартияси³⁰ билан икки тараф туриб, Мулло Абдурахмон баҳодурлиги билан ва Исо авлиёлиги каромати билан бирор икки тоғ орасига қамаб, ушлаб менга келтуруб берсалар қандай ажойиб бўларди”, – дебди. Бу икки шери сафдар (шердек сафларни ёрувчи)ларни кўп хазина, сарфу суруф, аслаҳа-яроғ билан юборди.

Бу икки амирлашкар³¹ тоғ ичига бориб кириб, иккаласи маслаҳат қилибдилар: “Ақун (энди) бу Худоёрхон кўнгил ва меъдага хўб тегди. Энди шундан қилсак бўладурки, ўшал тоғ тарафдаги янги хуруж қилғонларга фармойиш юборайлик, хони билан бирга етиб келиб, хизматимизда турсинлар. Андижон ҳокими Саййид Насриддинбекка хат ёзайлик, ҳамма аскар қўшинлари билан хазинасини бирга олиб келсин. Отаси Худоёрхон шариатдан чиққан, уни ўрнига хон қилиб кўтарайлик, Худоёрхонни бекор қилайлик. Мен Мулло Абдурахмон – лашкарбоши ва сипоҳсолару³² вазир аъзам бўлайин, сиз Авлиёни – тамоми дахлу сарф ва хазиналарнинг тепасидан вазир қилдим. Марғилон ҳокими Султон Муродбекни қипчоқларимга топшираман. Ҳали ишга аралаштирмасдан сақлаб тураман. Саййид Насриддинбекни хон кўтариб бошлаб кетамиз, Султон Муродбекни бир нав қилиб кўлга киргизиб оламиз”, – деб олдиндаги Мингшерни чақириб, ўзини катта хазиначи қилмоққа ва Султон Муродни Хўқандга борғандан сўнг хон кўтармакка ваъда қилди. Сўнгра буюрди: “Отақул баҳодурбоши иккалангиз Султон Муродбекни олдимга олиб келасизлар”. “Хўб бўлади”, – деб Султон Муродбекни хомтамаъ қилиб Офтобачи олдига олиб келдилар. [У] Офтобачини кўриб ҳар на айтганини қабул қилди. Сўнгра [Офтобачи] ўз қипчоқларига буюрди: “Иккисув орасидаги ҳовлимга олиб боринглар ва фалон қизимни унга никоҳ қилиб, ўшал жойда бекни сақлаб турасизлар, то иккинчи фармоним сизларга келганча!” Қипчоқлар бекни бошлаб келиб, буйруққа биноан иш тутдилар.

Тоғ тарафдаги кўзғолончилар кўтарган хонлари Фўлодхон билан етиб келиб, Офтобачига салом бердилар. Сўнгра Саййид Насриддинбек ҳам ҳамма лашкар, хазина, яроғу аслаҳалари билан етиб келиб, Офтобачига салом бердилар. Саййид Насриддинбекни отаси ўрнига хон кўтардилар. Лекин ҳукумат Офтобачининг ўзида эди. Офтобачи шундай катта улуғ бўлиб қолдики, ҳамма жонини кўлига олиб турди, ҳатто, Исо Авлиё жонини кўлига олиб мулозимат хизматида фармонбардор ва муте хизматкори бўлиб қолди. Ҳаммага маълум бўлдики, ўшал тоғ тарафидан хуруж қилганлар ҳам шул Офтобачининг амр-фармони билан хуруж қилган эканлар. Офтобачи Марғилон келиб кўниб, ундан Хўқанд борди. Ғарази шул эдики, тўхтовсиз юриб бориб, ўрусияни дарҳол олиб йўқлаб юборади. Отли қиличу найза, милтиқу тўп билан урушади. Шамширу қилич бўлиб ўзини ўрусияга уради, ҳатто, шу ниятда Хўқанд давлатининг хони Худоёрхон шунча замонлардан бери беҳад хазина сарф қилиб, жамлаб, Фаранг, Афғон ва Исломбулдан муаллим олдириб келиб, таълим бериб, машқ ўргатиб, хўб айёр ва тайёр қилдирган жами 25 минг саллотларнинг ҳаммасини бекор қилиб фармон билан тарқатиб юборди. Яна Отақул баҳодурбоши сартия аскарисининг ҳаммасига, Исмоил Қалла деган понсод³³ни ва Қийикбой қипчоқни қипчоқия лашкарига амирлашкар қилиб, “дафъатан Хўжанд³⁴га бориб ўрусия [билан] жангга машғул бўлинглар. Шиддат билан бориб босиб олсангизлар ажаб змас” деган умидни қилиб юборди. Хўжандга босиб кириб тўрт-беш адад ўрусияни ва ёш болаларни кўлга киргизар вақтида, ўрусия саллотлари воқиф бўлиб чиқиб ота бошлади. Аз камоли шошганларидан баъзи[лар] отларини тескари миниб, отларининг кўти карнай чолур эмишлар.

Ҳамда сартия қўшинларининг карнайчилари Хўжанд кирган захоти карнай чалиб ғалва кўтарганда Хўжанд фуқаролари насихат қилиб айтибдиларки, “бу ҳолда шаҳар ичига кириб карнай чалганда бизларга фойда ўрнига зарар кўп, иложи бўлса жанг бўлаётган вақтларда чалинлар”, деб. Русия саллотлари ўз қоидаларида юриб келиб, шаҳардан ташқарисига кувиб чиқибди. Бу мусулмонлар шаҳар ташқарисидан туриб, оз-оз урушиб турибдилар. Ҳамонки ўрусия халқи ўз эҳтиёжини қилиб, Тошканд³⁵га тилигром ва почтовуй хату хабарлар юборибди. Яримподшо³⁶ ушбу хабарларни Оқподшо³⁷га маълум қилгандан сўнг, “урушиб олмоқ учун Фарғонага борасиз”, деб фармойиш буюрдилар. Бу урушлар ҳаммаси [Абдурахмон] Офтобачи касофатидан бошланибди.

Офтобачи Марғилонга келмасдан илгари хурматли яримподшо генерал-лейтенант фон Кауфман³⁸ фармойишлари билан Искобилуф (Скобелев) генерал³⁹ ва яна беш-ўн нафар ҳар хил катта тўралар ва ҳам бир рота отлик қозоқ ўруслар Хўқандга Худоёрхон ҳузурига меҳмон сифатида бўлиб келган эдилар. Келиб қарасаларким, Мулло Абдурахмон Афтобачи билан Мулло Исо Авлиё хон фармойиши билан амирлашкар бўлиб, хоннинг ўзига ёв ва душман бўлиб хуруж қилибдилар. Ўғли Насриддинбекни хон кўтариб, ҳаммаси билиттифок, кслаётибдурлар. Ҳатто, Султон Муродбекни бу тарафга юбормасдан олиб кетибдилар. Ҳамма сартия, қипчоқия ва қирғизия бир иттифок тузибдилар. Қарасаларким, иш қўлдан кетибди.

Худоёрхон билан кўришиб маслаҳат қилишибдилар Генерал Скобелев айтибди: “Бу душманларингиз билан урушармисиз?” – деб. Унга хон айтибди: “Магар Оқподшо руҳсат бериб аскар берсалар, шунда урушмоққа мумкин бўлади”. Дарҳол Скобелев генерал, Туркистон генерал-губернатори Калпаковский⁴⁰ – ярим-подшога мактуб буюрибди. Унга жавоб тилигром келибди: “Агарда хон хоҳласалар, Тошқандга бошлаб олиб келасиз”, – деб. Худоёрхон қарасаки, жон дили билан уриниб, жонини қалқон қиладиган Хўқандда одам кўринмайди, мажбуран Тошқандга бормоқчи бўлибди. “Агарда Урусия лашкар берса, қўшиб беради, келиб ажратиб [мулкни] олсам эҳтимолн бор”, – деб ўйлади. Шу учун ҳамма хотинларини, бола-чақасини, қулу чўрилари ва мулозимлари, молу ашё ва яхши ускунаю аслаҳа, қанча яхши отларни олиб, олтун, кумуш ва лаълу жавоҳирлар [ни] отларини[нг] яхдон (махсус сандиқ)ларига юклаб юриш қилдилар.

Аммо мазкур генерал Скобелев ва ҳам тўралари хонни қуршаб атрофлаб олиб, эҳтиёт билан муҳофизат қилиб, ўртага Худоёрхонни солиб юрди. Улар темир қафасга булбулни солгандек, ўраб олиб чиқиб кетдилар. Лекин ёмон ва бебош фуқаро, сипоҳ гарчанд “талон-торож қиламиз ва бирор чизини (нарсани) ажратиб оламиз”, деб қасд қилган бўлсалар ҳам Скобелев генерал ҳайбатидан ва қозоқ ўрусларнинг милтиқидан қўрқиб ҳужум қилмадилар, ноилож бўлдилар. Бўлак сипоҳ бўлганда эди Худоёрхонинг[нг] ўзини қитъаланиб (парчалаб, майдалаб) тортиб кетар эди.

[Хон ва ҳамроҳлари] сахрога чиқиб андак хотиржам юриб турган маҳалда, хон намакхўрдалари ёки қайси бир жойнинг жамоаси бир яхдон олтин ва кумушни бир жойга қўйиб яшириб қолибдур. Ҳамда икки-уч адад ғуломлари қанча молларини яшириб олиб қолиб баъзи жойларда қолдирган экан. Қечаси ўғрилар шуларни олиб кетган, деган сўз бордир.

Худоёрхон бошига шунча хавфли иш тушган маҳали бу Скобелев генерал етиб келиб қолди. Уларни Худо юборганга ўхшайди. Улар етиб келиб бирга олиб чиқиб кетмаганда, аввалдан Худоёрхоннинг[нг] ўзи Хўқанддан чиқиб кетолмас эди, балки банди бўлиб ушланиб қолиши ажаб эмас эди. “Агар ўзининг бошини қутқариб олиб кетса ҳам, хазинадаги олтин, кумушни олиб кетолмас эди”, деб халойиқ гапирар эди. Лекин Худоёрхон чиқиб кетгандан сўнг омий фуқаро, киморбоз ўғри ва бебош кишилар кўрдиларки, катта ўрда ичида катта улуғлардан ҳеч ким йўқ. Ўзларини ўрдага уруб, кўзларига кўринган ашёларни олиб чиқдилар. Шаҳар катталари бир илож қилиб маслаҳатлар бериб, иккинчи уларни киргизмадилар.

Шу вақтда [Абдурахмон] Афтобачи Отақул баҳодурбоши, Кийикбой қипчоқ ва Исмоил Каллани лашкарбоши қилиб, Хўжандга юборган ҳолда улар келиб, тўғри Хўқанд ўрдасига тушдилар. Катта хазинахонани қаерда экани [ни] Отақул баҳодурбоши яхши билар экан топиб, олтиндан неча яхдон ва кумушдан озроқ олиб ҳамроҳларига насиба олиб берибди. Бир икки кун туриб мустаҳкам беркитиб чиқиб, Хўжандга қараб жўнаб кетган эдилар. Зоҳиран катта хазинахонани ҳар қандай билмаган одам топиб киролмас экан. Бу лашкарбошилар жўнаб кетгандан сўнг, Афтобачи Насриддинбекни бошлаб келиб, Хўқандда оқ кигизга солиб, хон қилиб⁴¹, давлат арконлари тахтга ўтказдилар. Афтобачи муҳориба қилмоқ тараддудига тушиб, тамоми шаҳарлар ва қишлоқларга жарчи юбордики: “ҳар ким талабгор бўлса, Хўқандга келсин, ўрусларга [қарши] бизлар билан бирга жўнасин, урушмоқ учун”, – деб. Талабгор шундай кўп келдики, ҳеч ерга одам сизмай қолди. Улар Маҳрамга қараб юриш қилдилар. Маҳрамга бориб ҳамма тўпларни бутунлай қорачапонга [ҳарбий тайёрлиги йўқ оммага] топширдилар. Тўплар остини баланд тупроқ билан кўтариб мустаҳкамлаб, оғзини Сирдарёга қаратиб, атрофга беҳисоб мерганларни пистирмага қўйдилар. Пиёда қўлида милтиқ, тўппонча ва солу қайиқ, шамширу найза ушлаган одам шундай кўп эдики, ҳисобини Аллоҳ биларди.

Ҳаммасининг эътиқоди шу эдики, “ўрусияга дафъатан югуриб, кучоқлашиб урамиз, тамом қиламиз”, деб ҳушёр қараб турдилар. Маҳрам мавзесининг ташқари қўрғони ичида чодир сува, аслаҳа, асбоб, бозорчи от-аробадагилар жуда кўп [экан].

Афтобачи додхоҳ⁴² тамоми қипчоқиялари билан қочиб кетиш учун баланд қирнинг ёқасида, ҳамма қирғизия лашкари сардору пансодлари Афтобачи қошида унинг фармойишини кутиб турдилар. Кучли сартия жамоаси лашкарига Отақул баҳодурбоши, Пансод тўра, Исмоил Калла ва

Хўқанду Андижоннинг тамоми сардор ва пансодлари алоҳида майдон рўпарасида тамоми баҳодур муборизлари билан қараб турибдилар. “Офтобачи қапдай буйрук, берар экан? Агар фармойиш бўлса, дарҳол бажо келтирмоққа ўзимизни урамиз”, – дея қасд қилиб туришибди. Лекин Насриддинбекни Хўқандга қўйиб кетган эканлар.

Энди ўрусия тарафидан эшитинглар. Ҳурматли генерал-губернатор генерал-лейтенант фон Кауфман яримподшо ҳамма тўпу тўпхона, саллоту аскар, қозоқ ўрус, хазиною дафиналар ва жуда кўп лашкар билан Тошканддан чиқиб тўғри Хўжанд келиб ўтиб, Маҳрам рўбарўсига келиб тушибди. Эрта билан бу жангу муҳориба бўладиган жойнинг рўбарўсига келиб, назорат қилиб, саллоту генерал, военный (военный) сардор, пулковник (полковник) катта тўралари бир фавжи (полки) қозоқ ўрус ва тўпхоналарини юбориб келиб, тўғрисида тайёр бўлиб турибди. Лекин бир фофур (гуруҳ) саллот ва тўнчиларни дарё ичидан юборибди. Лоақал ўшандай вақтда Офтобачи сулҳ тўғрисида элчи юборса, катта подшо бир маслаҳатни кўрсатар эди. Лекии у бундай қилмади. Марҳум Мулло Алиқули⁴³ амирлашкардек зўр баҳодур ва соҳибдавлат, шунча тўпу тўпхоналар билан нешвоз бориб, шу пайтгача қилган қаттиқ жанглари ичида Офтобачи ҳам бор эди. Ҳаммасини кўрган, кўрмаганини қипчоқлардан эшитган эди. [У] марҳум Маллахон асри даврида Қаноатшоҳ⁴⁴ ва ғайратли амирлашкар [Алиқули]нинг қилган жанглари, Мирзо Аҳмад парвоначи⁴⁵ ва Жўрабек⁴⁶нинг [эса бошқа] хонлар пайтида кўрган урушларини эшитган эди. Бирортасидан ибрат олмаган экан.

Боз устига Хўқандда шунча йиллар Худоёрхон машқ ўргатиб тайёру айёр қилган 25 минг сарбозу саллотга жавоб бериб юборди. Энди “бу йиғинди пиёда ва отлик қорачапон қўлидан нима иш келади”, деб ўйламасдан, “тўп –; от!” дея ишорат қилди. Тўп ота бошладилар, лекин отган тўпларининг ҳеч бири ўрусияга тегмади. Лекин арининг уясини кўзгагандек бўлди. Сўнг ўрусия буларни тўпга тутди. Саллот ва қозоқ ўрус югуриб келиб, тўсатдан тўпхоналарни босиб қўлга олди.

Бу пиёда қорачапон бошлиқларига, қипчоқия, қирғизия, сартия лашкарлари ва сардорлари Офтобачига қараб фармон кутиб турдилар. Офтобачи ҳеч бир жангга кирмоқ у ёқда турсин, лоақал бир сўз ҳам демабди. Аксар қорачапон бошлиқлардан ёрдам бўлмагандан сўнг, уларга ўқ тегиб кўп киши нобуд [бўлди], баъзилари Хўқанд тарафига, баъзилари ўрусия ичидан қочиб кетишга жой тополмабдилар, дарёга қараб, ўзларини уриб, кўп киши ғарқ бўлиб, баъзилари ўққа учиб, нобуд бўлибдилар. Бозорчи бечора одамлардан кўпчилиги ҳалок бўлибди. Оти бор одамлар қочиб, баъзиларнинг йўлларда отини тортиб олибдилар. Талон-торож, қиёмату аросат бўлибди. Бундай қиёматни Офтобачи ва қипчоқу қирғизияни кўратуриб, бир-биридан бадгумон бўлишдан қўрқиб, ҳар қайсилари жонларини сақлаш учун қочишга тушибдилар.

Ўрусия ҳануз тўп отмасдан, биронтаси югурмасдан, аввал Офтобачи қипчоқ ва қирғизия билан тўғри қирга[от] солиб қочиб кетибдилар. Сартия лашкари [ҳам] қочиб кетибди. Офтобачи хавфсирагани [нинг] сабаби “Отақул баҳодурбоши сартия сардорлари билан ўрусияга тил берди”, деб ўзини эҳтиёт қилиб, қочишга шайланиб турган экан. Тўғри Марғилон тарафга юриб қирғизия мавзесига тушди. Орқасидан сартия келиб жанг бўлди. Валекин Насриддинхон ўрусия яримподшоси олдига чиқиб, Хўқанд катталари [билан] истиқбол қилиб, иззат-икром билан Хўқандга бошлаб кирди. [Руслар] бир неча кун Хўқандда туриб ҳаммани[нг] мулозиматини кўриб, ҳеч кимга ёмонлик қилмасдан, Хўқандга Насриддинбекни ҳоким қилиб, неча ишларни писанда қилиб, сўнг Марғилонга юриш қилди.

Лекин Офтобачи Маҳрамдаги жанг томошасидан қайтиб келаётган маҳалда, Султон Муродбек фурсат топиб, қипчоқия диёридан қочиб, яширинча бир-икки нафар хизматкори билан тўғри Марғилонга келиб тушибди, Офтобачи Марғилонга яқин келган вақтида буни эшитиб, одам юборибдики: “Султон Муродбек манинг олдимга чиқсин, маслаҳат бордир”, – деб. Бек чиқмоққа унамади. Марғилонликлар: “Бегим чиқмасин, касофатига қоладилар”, – деб рухсат бермабдилар. Аммо Офтобачи Киргилда неча кун турди, қипчоқия, қирғизия ва сартиялари билан ҳеч бир жойга маслаҳатлари қарор олмади. Устига қоровуллари келиб ахбор қилдики: “Яримподшо Ермасжид⁴⁷ деган жойга қўниб, шу куни у жойдан жўнади”, – деб.

Бу хабарни эшитиб ҳар қайси жамоа ўз маконига қараб жўнади. Отақул баҳрдурбоши ва бошқалар Офтобачи билан хайрлашиб, тоғ тарафга қараб жўнаб кетди. Марғилон сипоҳи ва сардорлари, қишлоқ аҳолиси ўз ватанларига қараб кетдилар. Қирғизия [эса] тоғ орасига қараб кетдилар. Лекин яримподшо аскарисяси билан Қўрғонтепа⁴⁸га, шаҳардан ташқари (бу жойни Туфроққўргон ҳам дейдилар) жойга келиб қўнди. Марғилон катталари, қозию уламо ва каттаю кичик [унинг] йўлига дастурхон олиб чиқиб, истиқбол қилиб бошлаб келтирдилар. Яримподшо шу жойда бир неча кун турди. Султон Муродбек [ҳам] бориб кўрди. Яримподшо рухсати билан у Марғилонда турди.

Отакул баҳодурбоши тоғ ичидан ёки Полмон қишлоғи ичидан чиқиб келиб, ярим подшо[га] таъзимини бажо келтириб турибди. Яримподшога у мақбул бўлган экан, марҳамат қилиб камоли илтифот билан Марғилонга ва ҳам тобеъ қишлоқларига ҳоким қилиб, қўлига ёрлиғ⁴⁹ бериб топширибди. Ҳар шартки айтган бўлса, ёрлиғи ичида баён қилган бўлса керак. Отакул баҳодурбоши Марғилон ичидаги ўрдага шукуху салтанат (дабдаба ва қудрат) билан келиб тушибди.

Ўрда ичини бориб томоша қилдик. Худованди карим қудратига ҳайрон қолиб, афсусу надомат бу дунёнинг ишига қилсангиз ҳам бўлади, балки қилмаган яхшироқдир. Чунки ҳамма [ҳокимимизнинг аҳволи] мусулмонларга маълум ва ҳамиша ўз кўзлари билан кўрган эдилар.

Султон Муродбекнинг ўзи асил хонзода, улуғ киши бўлатуриб, тўпу тўпхона, шунча аскар у саллот, шукуху салтанати билан ўрда ичида ўз мулозимини Отакул баҳодурбоши олдида мисли муш (сичқон)га пайқар ё турумтой қушни кўрганидек бир ҳолга тушиб, вужуди симобдек жилвагар бўлиб турибди. Аммо Отакул баҳодурбоши ўзидан кетгани учун, шундай мақомга кўтарилибдиким, Султон Муродбек камбағалга дурустроқ муносабат қилмабди ҳам. Отакулнинг рўпарасида Мулло Абдужалил мирзобоши, Мингшер хазиначи⁵¹ ва Абдулвосе мирзо⁵² мунтазир қараб, салом бериб, мулозимат қилиб турибдилар ва бу бечораларга ҳам у қарамабди. Султон Муродбекни ҳеч бири иззат қилмабди. Бу бебақо давлат қушини[нг] кетишига ва хоҳлаган кишининг бошига келиб кўнишини томоша қилдик.

Эртаси яримподшо юрт катталарини, Отакул баҳодурбошини қатор қилиб қўйиб, [Марғилонга] лак пули⁵³ солди ва ҳам фармойиш қилиб, ҳаммасига эшиттириб туриб миннатдор қилдиким: “Жуда тезлик билан бу лакпулини тефаларингизда турган ҳокимингиз Отакул баҳодурбошига топширасизлар. Отакул баҳодурбоши ҳоким йиғиштириб мани хазинахонамга топширадур”, – деб ошқора фармойиш айлади.

Эртасидан бошлаб мазкур янги ҳоким қишлоқма-қишлоқ буйруқ бериб, ясовул тайин қилиб юборди. Ғалва ва ғалаёнпули⁵⁴ йиғиштириб олинди. Бундай катта пул фуқароларда йўқ, кўп машаққат билан аксари[аҳоли] топшириб ва бир қисми бермаган эди. [Отакул] фуқаролар қийналганини [ярим]подшога маълум қилиб, яна озроқ муҳлат сўраб олди. Шунча садоқат билан у [Отакул] кўрқиб турар эди. “Қолган маблағни орқадан йиғиб маълум қиласиз”, – деб [яримподшо] буйруқ қилиб, ўзи Намангон бориб ул жойларни кўриб саранжом этиб, лакпули солиб, ундириб ва ҳоким тайинлаб, Андижонга ўтди. Ул жойни ҳам саришта қилиб, ҳоким қўйиб, лакпули солиб. йиғиб териб олди-да, Ўшга ўтмоқчи эди. Марғилондан жўнаб Намангонга ҳануз етгани йўқ эдики: “Ўш тарафи шарқидан ва Андижон шарқ тарафидан қирғизия ва қипчоқия ҳам боши бузуғ одамлар жам бўлиб, Фўлодхонни хон кўтариб, хуруж қилиб келаётир”, – деб хабар келди. Яримподшога тез хабар бердилар.

Яримподшо энди Марғилондан жўнаб, Намангон дарёсига бориб етгани йўқ эди. Марғилонда Валихон тўра⁵⁵ни[нг] эшигига ҳар хил бузуқ иғвогар одамлар бориб жам бўлишибди. Ёрмазор йигитларидан беш-ўн нафари ёрмазорлик Ҳайитбой эшикоғаси⁵⁶ деган одам бошчилигида Валихон тўрани ҳовлисига келиб, Валихон тўрамга маъқул қилиб: “Ўрда ичида Отакул баҳодурбоши ноинсоф ўрусларга чўкунди бўлиб, ўрус тарафига ўтиб, ҳамма мусулмонларни куйдириб юборди, шунча лакпули солиб олиб берди. Ўрусия жўнаб кетди. Энди яна лакпули солиб ҳамма мусулмонларни уриб, калтаклаб ҳақорат қилиб, юборган мулозим ясовуллари [халқни] жуда куйдириб юборди. Тўрам! Сиздан бошқа мусулмонлар додини эшитадургон ҳозирда подшо йўқдир. Ҳозир ўрда ичинда атроф тарафдан ҳамма келиб турубдур. Тезда отлансунлар, олдида пиёда ва отлик этиб бориб ғазавот қилиб ўлдирсак бўлади”, – деб тўрамни бошлаб келдилар.

Ўшал куни пайшанба, бозор куни эди. Тўрам кўп одамлар билан ўрданинг олдида келиб қолибдилар. Аммо янги ҳоким Отакул баҳодурбоши бу ҳодисадан беҳабар ўрда ичида патталарга муҳр босиб турган экан. Олдиндаги одамлар бу ҳодисадан хабар берсалар, “фуқаро халқнинг қўлидан нима иш келур эди”, деб кўрқмасдан шердил бўлиб, яна ўз ишига машғул бўлаверибди. Аққали: “Қиличимни келтуруб қўй”, – деб айтмабди. Бирдан кўчадаги бебош фуқаролар, Ҳайитбой юзбоши⁵⁷ ёки эшикоғаси тезлик билан ўрдага кириб, босиб Отакулга ташланибди. Отакул ҳоким бу аҳволни кўриб, қўлида яроғ-аслаҳа йўқ, ўрданинг ичкарасига қочиб кирибди, лекин эшикига етмасдан калтаку тош ва қилич зарби билан уриб, мажруҳ қилиб, йиқитиб ташлабдилар. Ҳатто, бир милтиқ ўқи ҳам тегибди. Мазкур Ҳайитбой юзбошини замони собиқда бу баҳодурбоши калтаклаб, кўтига кунда урдириб қўйган экан, хусумати бор экан. Бизлар бу ҳодисани баъзилардан эшитиб, ўрда ичига келиб кўрдик. Баҳодурбоши жасадини фуқаролар аробага солиб, қабристонга етказиб ташлабдилар. Жони танасидан чиқмаган экан то эртасигача ҳам жон таслим қилмасдан кўкраги уриб туриб, чоштгоҳ вақтидан кейин жон берибди.

Ҳайитбой, беш-ўн адад пиёда ва фуқаро Отакул баҳодурбошини ўлдириб, ўрдага югуриб уч кунгача уни талон-торож қилдилар. Бир умр жам қилган дунёси, ашёву ажноси, оту моллари то ғаллаларигача талаб, иморатларини бузиб вайрон қилдилар. Аммо хазинаси, олтуни ва кумуш яхдонларини, ғалла ичларига кўмиб ҳамда девор орасига хазинасини беркитган экан, топиб олдилар. Кўп одамлар бойиб кетдилар, лекин баъзи одамларга [бу] вафо қилмади. Бу дунёнинг мазали лаззатига тушунган ноинсофлар қараб бўлак сипоҳларнинг уйини ҳам талон қилиш ўйи кўнгилларига тушган экан. [Улар] Валихон тўрани[нг] эшикларига қочиб бориб йиғлабдилар. Тўрам манъликка еткурдилар (ман қилдилар), бўлмаса аҳли дав (қўзғолганлар) эшикларигача талон-торож қилиб, ўзларини ҳам ўлдирадиган аҳволга тушиб эдилар. “Ушбу Отакулни Валихон тўра бошлиғ келиб ўлдирдилар ва уй-ўрдасини то йиғган лакпулигача талон-торож қилдилар”, – деб [халқ ўртасида гап тарқалган эди].

Ўша қатлу талон бўлган кунда хабарчилар Ёзёбон йўлида кетиб турган яримподшога маълум қилибдилар. Яримподшо Марғилонга қайтадиган бўлиб, қахру ғазаб билан турган маҳалда, Ўш ёки Андижон тарафдан хабарчи етиб келиб хабар берибдики: “Қирғизия, қипчоқия, хатто сартия халқи билиттифоқ тоғ орасида жам бўлиб Фўлодбек деган хонзодани хон кўтариб, бир катта дарё лашкар бўлиб, хуруж қилиб келаётирлар”, – деб.

Яримподшо: “Аввал Марғилонга борайми ёки бу янги хуруж қилган бузуғларга юриш қилайми?” – деб ўйлаб қолди. Охири бу янги хуруж қилганларга қараб юриш қилди. Яримподшо Марғилонда турган маҳалда, бу Фўлодхоннинг хуружи ва хабари яримподшо ва халойиқнинг кулоғига оз-оз етиб, махфий сўзлашар эдилар: “Балки фуқаролар халқи шу Фўлодхон хуружигача эътимод қилиб (ишониб), [ш]унинг учун Отакул баҳодурбошига югуриб, Валихон тўрам бош бўлиб, шундай ҳодисалар вужудга келган эди. Илло фуқаро халқи ўз ихтиёрича бундай улуғ ишга иқдом қилолмас эди”. Валекин яримподшо агарда Марғилонга қайтиб келса эди, марғилонликлар бу балои ногаҳонини (тўсатдан келган бало)дан қутулиб қолардилар.

Ҳосили калом, яримподшо Фўлодхон тарафига кетди. Фўлодхон ўз лашкари билан етиб келиб, ўрусия билан уруш қилди. Кўп лашкар бу ўрусияга ҳадик берди. Ўрусия билан урушиб туриб, Фўлодхон Мулло Абдурахмон офтобачи берган бир маъюб отда, ўрусия кўшинлари тарафига от суриб кетиб, кечаси бир яғоч тўнғак тепасида отидан йиқилиб тушиб, бир оёғи синиб мажруҳ бўлибди. Фўлодхон жангчилари кўп баҳодурлик қилиб, ҳар тарафдан милтиқ ва тош отиб югуриб, тўхтаган вақтида [у] қочибди.

Шу тариқа билан ўрусия лашкари Андижонда кўп турмасдан Намангонга бориб турганда, “ўшал жой [Марғилон] дан аскар юбориб, саранжом қилсак бўлар экан”, деб яримподшо кўнгиллаб Намангонга қараб жўнаб кетибди. [Ғалаёнчилар] йўлда яна орқасидан қувлаб бориб, кўп бетартибчилик қилибдилар. Урусия: “Мусулмон халқининг куч-қуввати ва қиладурган иши қайси ерга бориб тўхтар, қандай одамлар ёри берар ва қайси-қайси жамоа қўшилар, ғайрати борича армони қолмасун”, – деб ўзига қўйиб берган эди.

Улар: “Урусияни қочирдик”, – деб Андижон ичига кирган вақтида кўп мусулмон лашкари ва фуқаролар ҳар қайси томлари тепасида бош чиқартириб, кечалари деворларини тешиб милтиқандоз қилиб, ўқ отибдилар. Бир полковник тўра ўрданинг пештоқи ёки Мадраса пештоқига чиқиб, атроф жонибларни назорат қилиб турган маҳалда, бир мерган отиб ўлдирди. Ҳар тарафдан шовқин, тўполон қилиб, кўп милтиқ отиб чиқибдилар. Урусиядан тахминан беш-ўн нафар ўлган экан. Урусия тўп ва милтиққа тутиб жон сақлаб, Намангон тарафга чиқиб кетган эди. Урусия Намангонга кетаётган маҳалда, қора дарахтлар орасидан милтиқ отиб, шундай ҳангомалик жанглар қилишиб: “Бизлар урусияни қочирдик”, – деб шуҳрат берган эдилар. Янги [дан қайтиб] Андижонга киргани ўшал. Шу учун Андижон кўчаларини дуруст биллолмасдан, ўша жанг кунида ўрусия шошиб қолган [эди].

Лекин Худоёрхоннинг бошига азим хавфлик иши тушган маҳалида, бу Скобелев генерал етиб келган экан. Намангон маҳкумига кўприқдан ўтиб кетгандан сўнг, бу мусулмон лашкарининг бетартиб жангидан қутулиб, Намангонга кирганда, Ботиртўра пансодбоши амирлашкар бўлиб, ўрусия билан урушибди. Валеки [у] Намангонга ўт қўйиб, отув қилиб, кўп зарарлар етказди. Пансод тўра Намангон тоғ-чўлларида йигитлар билан қочиб юриб, ўрусия билан урушди, ундан сўнг Марғилон маҳкумига ўтиб юрди. Аммо ўрусия Намангонда турди, яримподшо эса бир неча кундан сўнг Тошкандга кетди. Фўлодхон билан урушиб, бир тараф қилмоққа жандорол (генерал) Скобелевни қўйиб тайинлаб кетди. Скобелев Намангон ишларини саришта қилиб турди. Аммо Фўлодхон: “Урус [усти]дан зафар топдим”, – деб тўғри Асакага келиб қўнди. Аскарару сарбоз ва тўпу тўпхона ораста қилиб, жанг қилмоқ ҳаракатига тушди. Марғилонга Тошбола пансод деган одамни ҳомийликка тайин қилиб юборди.

Ундан илгари Валихон тўрамдан хушнуд бўлиб, Марғилон ҳокимлигини бериб юборган эди. Анииг учун Валихон тўрам Марғилон мулкани муҳофаза қилиб ва Калла Охун деган бир оғзи ёмон муридлари кўрбошилиқ ишларини бажариб турди. Шул вақтда Султон Муродбек: “Менга яримподшодан ишорат бўлди, ўзим хон бўламан. Марғилон шаҳри ичига кираман”, – деб аввал ўз намакхўрда амалдор ва йигитлари билан Файзобод қишлоқида туриб олди. Ул вақтда Фўлодхон хануз Асакага келгани йўқ эди.

Валихон тўрам уламоларига масала қилиб: “Султон Муродбек билан урушиб, [уни] ушларга фатво берсангизлар бўладими ёки йўқ?” – деб сўрадилар. Қозилар ўшал вақтда қозикалон⁵⁹ Аҳмад Бобо ва акаси қози аскар⁶⁰ Муҳаммад Бобо, қози ул-қузот⁶¹ Мулло Почожон ва ҳам қози раис⁶² Юнусали эдилар. “Чиқиб бек билан урушса бўладур, чунки ўрусия тани (одами) бўлиб келди”, – деб фатво бердилар. Сўнгра Валихон тўрам ёрмазорлик Ҳайит Муҳаммад юзбошини лашкарбоши қилиб, Марғилон ва Ермазор йигитларини, фуқароларигача Файзобод⁶³ га бекка қарши жангга юбордилар. Ҳамма одамларга: “Бугун жанг куни рўзани очиш мумкин”, – деб фатво бердилар. Қозиларнинг ўзлари ҳам сой бўйигача чиқдилар. Бу лашкари ислом Файзободга босиб борди.

Султон Муродбек ошни дамлатиб қараб турган маҳалда, Марғилон лашкари ва фуқароси бирдан бориб қолиб, у зўрға Хўқанд тарафига қочиб кетди. Аммо ясовулбоши Мулло Абдулазиз Марғилон лашкари ва фуқаросига пеш келиб, маслаҳат қилиб: “Бекни фуқаро ушламас[лиги учун уларни] тўхтатаман”, – деб олдиларига кетган экан. Дафъатан бир тўппончадан [уни] отиб, калтаклаб мисли тулумдек қилиб ташладилар. Султон Муродбек чўл тарафига қочиб, йигитлари билан чиқиб, Хўқандга қараб кетибди. Лекин Бўзчи [қишлоғи], бечора файзободлик[лар]нинг турраи шаррорасини [дов-дарахтини] кесиб кетдилар. Бир тоифаси ашён ажносларини, бир қабиласи хўккизу сигир ва эчкиларигача [олиб кетдилар], бир тоифа кўза ва хумларда атайин тайёр қилиб қўйган ширинисини ерга тўкиб кетдилар. Файзободлик бечора фуқароларида ҳеч айб йўқ эди. Қозилардан лозим эди: “Файзобод фуқароларида ҳеч айб йўқдир, уларга зарару захмат ет[каз]мангизлар”, – дейиш. Бечоралар, хусусан, қиш кунларида кўп қийналибдилар.

Султон Муродбек тўғри Хўқандга бориб кирибди, орқасидан бебош фуқаролар қувиб: “Бу ўрусга сотилган, ушлаб Фўлодхонга етказиб топширамиз, марғилонлик фуқаролар билан уришиб қочиб келди”, – дебдилар. Охири [у] бачқирлик фуқаролар қўлларига гирифтор бўлибди. Бачқирлик фуқаролар Фўлодхон Асакага келиб тушган вақтда, раҳматли Султон Муродбекни олиб бориб, унга топширдилар.

Ҳамда Хўқанддаги мақбули омма, устози уламои Хўқанд бўлган Мавлави Чубин⁶⁴ домуллони ноинсоф фуқаролар босиб бориб, хўб калтаклаб ўлдириб қўйдилар. “Ўрусиянинг мулозиматига чиқиб борган эдингиз”, – деб Саййид Насриддинбекни ҳам ўлдириб қўймоқчи эканлар, мавжуд қилолмабдирлар (тополмабдилар). Насриддинбек қочиб қутулибди.

Аммо Хўқанднинг катта ўрдасига зўрлик билан босиб кириб, топган хазинахоналарни очиб, шундай талон-торож қилибдиларки, аксар одамлар ғаний(бой) бўлибди. Кумуш тангаларни аробаларга юклаган шағалдек, ҳар ким қувват борица ташиб чиқиб кетди. То гадову қиморбозларгача ғаний бўлибди. Бу тоифаларни кўрган ва эшитганлар иккинчи бор излаб кириб, мисли шундай танга топиб чиқиб кетдилар. Учинчи марта излаб кирган одамлар ҳам бой бўлибди. Хўқанд ичи ўн кунгача шундай шўришу ғавғо бўлибдики, мисли қиёмат ошкор бўлганидек.

[Орада] Фўлодхон Асакага келиб тушибди. Буни эшитиб Султон Муродбекни сўраб олиб келтирибди. Сўзлашиб: “Хафа бўлманг ака, сизга ўрун бераман”, – дебди. Султон Муродбек қуллук қилиб дуо қилибди. Орқасидан Фўлодхон: “Ака, муҳрингизни кўзим олдида синдуринг”, – дейди. Султон Муродбек: “Соҳиби бўлмаган муҳрни синдурмоқ лозимдур”, – деб ёнидан муҳрни олиб маҳрамига синдир деб берибди. У шофи(қилич) билан тўғраб ташлабди. Шул соатда [Фўлод] хон ишорат қилиб, хазинадан бир тўн олиб чиқиб, Султон Муродбекка кийдиришни буюрибди. Султон Муродбек тўнни кийиб, дуо қилиб чиқибди. Орқасидан кузатиб чиққан саркардаларга айтур эмишки: “Жаллод ханжарининг учи тегиб қолди, ҳар қалай сўзлашганимиз ғаниматдур”, – деб. Улар: “Йўқ бегим, кўнгилларига ёмон фикр келтирмасунлар, андоғ эмас”, – деб айтур эмишлар. Нима бўлса ҳам ўша кечаси ярим-тунда бекни ўрдадан кузатиб солган қирғизия саркардалари бек қўшхонасига келиб: “Турингиз хон ҳазрати яна қичқирибдурлар (чақирибдурлар)”, – деб айтганда, раҳматли бек кўзига ёш олиб афсусу ҳасрат билан: “Мана кетиб борамиз, бизни сўраганларга айтгил, дуо қилсин”, – деб ўз олдидаги маҳрамга айтиб ташқарига чиқибди. Дарвозанинг оғзида бир жаллод билан бир мулозим қараб турган экан. Ишорат қилибди, улар бегимни отига миндириб, Асакадаги катта қабристонга олиб борибдилар. Бир хилват жойга олиб борибдилар. Қабрни кундуз куни тайёрлаб қўйган эканлар. Ўша жойда сув талаб қилибди. Бир обдаста сув келтириб берибдилар, Дарҳол ғулс покиза қилиб,

икки ракаат намоз ўқиб, салом бергандан сўнг ризолик берибди. Гўри ярим экан, лабига ўтқазиб қўлини орқасига боғлаб, бир қулоғини ушлаб туриб [жаллод] томоғига бир карра ханжар тортибди. Ханжарнинг алами ва жон ширинлигини қарангки, дафъатан ўрnidан туриб, яна орқасига қараб йиқилиб, хир-хирлаб Ҳаққа жон таслим қилибди. Дарҳол жаллод [Султон Мурод] бек яктагини бир жойга тикиб, тепасига ул тўнни солиб, устига тупроқ тортиб кетибди. [Фўлод]хонга бориб маълум қилибдилар. Ҳайдар юзбоши бек хазинасида экан, бекни олиб чиқиб кетгандан сўнг кўрқиб қолибди.

Одам боласининг бир-бирига меҳр-оқибати шулму?! Шундай подшою хон, салотину ҳукком ўзларининг умрлари қисқалиги ва бебақолигини билиб туриб бир-бирлари ҳақиқага шундай қилади[му]?

Яхшиси, шундай улуғ кишиларни бундай сўйдурмасдан, балки олдинда фўлоддин панжара қафас тайёрлаб, ичига қамаб, “таомни тешикдан бериб турайин ва ҳеч бўлмаганда тахтим остита қўйиб ётайин, яна эрта билан ўз кўзимнинг тўғрисида сақлайин”, деса шул яхши иш эмасму?! Бил фарз ўзининг бошига келиб қолса, у ҳам мисли шундай қилса керакму?! Ажаб ақлу ажаб дониш одам боласида бўлар экан!

Шундай хону бекларни айғир отлари ўз маломат тоши билан бурнига ҳар қанча урса яна ҳам оздур, деб ғазаб этаман.

Ҳосил калом, Фўлодхон Асакадан кўчиб, Марғилон ўрдасига келиб тушибди. Дафъатан ланг бўлиб, аробадан устига кўрпаси билан саркардалари талаш билан кўтариб секин ерга қўйибдилар. У Валихон тўрамнинг эшикларига ихлос йўлидан кириб дуо олиб, яна аробасига, яъни маофа (усти ёпиқ ароба)сига солибдилар.

Шукуху салтанати жуда юкори даражада экан, мартабасини мисли Худоёрхондек қилиб тартиб берибди. Қипчоқия, сартияларидан саркардалари жуда кўп экан. Шундай улуғ хон қилиб ўрдага келтириб туширибдиларким, шукуху салтанатини ҳар ким кўрса, юрагига ваҳм ориз бўлади. Маофа билан ўрдага келиб кириб туширибдилар. Хўқанднинг амалдору уламози келиб, дуо қилиб, сарпо кийиб қайтдилар.

Хўқанд ўрдасини талон-торож қилганларни билиб, олган хазинани топшириб олурга, хазинадан пул олганлар номини хатлаб ундириб олурга ҳамда Мулло Абдурахмон офтобачи жавоб берган саллотларни милтиқлари билан ҳозир қилурга бир саркардасини кўмондон қилиб иноятнома⁶⁵ юборди. Хўқанд шаҳри гўёки ҳалиги қиёматдек бўлган эди.

Насриддинбекдан сўрасангиз [у] қочиб бориб, узини эҳтиётлаб, бола-чақаларини бирга олиб чиқиб кетган экан. Ва ҳам “хоҳ мулло ва хоҳ авом ун-нос (авом халқ) бўлса, ким ўрусия билан муҳориба қилурга талабгор бўлса, ном ба ном дарбори олийга (олий саройга) маълум қилинсин ва милтиқ олиб машқ қилиб гайёр бўлиб турсин”, – деб фармон қилибди.

Хўқандлик домулло Саримсоқхўжа эшон мударрис⁶⁶ шогирдларидан талабгор муллолар кўп экан, ҳаммалари машқ қилиб комил бўлган экан. Фўлодхоннинг марҳамати домуллои мазкурга кўп бўлиб, кўп муллоларни амирлашкарликка чақириб ёрлик берди. Домуллои мазкур ҳамма муллоларни Марғилонга олиб келиб, хонга бошлаб кириб, унга кўрсатибди. Яна Андижондан ҳар куни хабар келиб турдики, талабгорлар милтиқ сотиб олиб машқ қилмоқлари ва ҳаракат тараддудлари Хўқанддан неча даража катта экан. Марғилон фуқаролари ҳам мисли шундай ҳаракатда [экан].

Фўлодхон ўзи ҳар иш тўғрисидаги гуноҳкорни эҳтиёт билан текширар эканки, кўрган киши унинг ақлига ҳайрон бўларди. Бировнинг сўзи билан ўлдурмас экан, буни кўрдик. Валекин ўрусияга хизмат қилган одам кўлига гирифтор бўлса, уч кунгача ўзи сураб сўзлашиб, айбини бўйнига қўйиб, икром қилиб, сўнгра жаллоднинг кўлига фармойиш қилиб берур эканки, “ушбу фалон, фалоннинг ўғлини кундуз куни фалон жойга олиб бориб сўй ёким ой болта ва ё қилич билан чопиб ўлдиргин”, деб гуноҳкорни ўз қўли билан [жаллодга] топширур экан. Уз кўзимиз билан кўрдик, яъни одамлар сўзлашар эдиларким, “аксар одамни Умарбек ёки бўлак қирғизия сардорлари ўз ихтиёрлари [билан] Фўлодхонга кўрсатмасдан жаллодга топшириб ўлдириб қўядур ёки хонга чақиб ўлдирадур”, деб. Булар ғалат сўзлар экан.

Атрофдаги амирлардан, чунончи Ботур тўрадан (бу Намангон йўлида қоровул турарди) ва ҳам Андижон сарҳадида ва бошқа йўлларда турган амирлашкарлардан ҳар куни ариза келиб турар экан, [уларга] инъомни жуда кўп бериб турар экан. Ҳаммадан қирғизия халқи жамоалари сардорлари кўп иноқ эдилар, тилла чўпдор ва тилло пичоқдорлар (тилла ҳасса ва тилла пичоқ – амал рамзлари) қирғизиялардан экан.

Лекин Фўлодхон Марғилон ўрдаси ичида турган маҳалда одамларни жуда кўп сўйдирибди. Воқеанавислари ҳам кўп эди. Давлатхоҳлари иттифоқ билан арз қилибдиларки, “Хўқандга бориб тахт тепасида такая қилиб (суяниб) ўтирсалар шоядки, хосиятлироқ бўлиб зафарга қарин (яқин) бўлсак”, деб. Аммо хонга бу давлатхоҳлар сўзи маълум бўлса ҳам яна ўйлаб турибди, “кўпроқ Насриддинбек

мабодо Хўжанд тарафидан келиб, Хўқандга кириб қолмасин”, деб. Яна Марғилонда турган вақтда: “Худоёрхон, Султон Муродбек ва Насриддинбек авлодларидан кибору сағир (каттаю кичик) хоҳ ширхор (эмизикли бола), хоҳ заифа (қиз-аёллар) бўлсин Фарғона ичра тезлик билан менга топширсин”, – деб ҳокимларга шитоблик иноятнома ҳам буюрибди. Ҳаммалари ширхора ва сағира экан. Уларни оналари билан бирга юборибдилар. Жами беш адад ёки олти нафар экан. Тамоми шу ширхора ва сағира гўдак болаларни кеча [си] ўрда ичида ўз кўзи олдида Фўлодхон сўйдирибди. Фўлодхон чиқиб кетгандан сўнг ўзимиз кириб сўйган жойни кўрдик. Каттароқ боладан кўпроқ, кичкина боладан камроқ қон тушибди. Фўлодхон қатъий ҳукм қилгунча бу болаларни оналари ўрда ичида ўзлари парвариш қилиб турган [экан]. Қачон “Урусия Андижондан Асакага қараб юрди, балки Асакани олди”, деб хабар келганда, бу гўдакларни оналари қўлидан олиб, кечаси ҳаммасини бир жойда қатл қилибди. “Ушбу номуборак ишни қирғизия жамоаси катталарининг саъю кўшиши билан Фўлодхон тепасида туриб шундай қилди”, – деб эшитдик. Негаки, Худоёрхон ва Султон Муродбек кўп қирғизия жамоасини ушлаб ҳаммасини кўтига хода қоқиб ўлдирган эди. Ўшал гиналар қирғизия сардорлари, Фўлодхон кўнглида бор экан.

Яна Фўлодхонга эшиттирган эканларким, бу гўдаклар аксар ҳаромидан ва ғуломлардан бўлган. Валекин Фўлодхон Марғилон ўрдаси ичида турган вақтларда хон ҳарамидан Ўттуз ўғил қирғизларнинг маълум ва машҳур бўлган, эски вақтдан Оқсоч оғим [деган бир аёл] бўлиб ўтган экан. Улуғ мартабали хотин экан. Бойбачалар, қирғизия катталари ва хон билан ҳамтабоқ, ҳамасрор экан. Ўша куниким [Фўлодхон] гўдак хону бекзодаларни сўйди, [у] оналари [га] “хон ҳазрат бир жойга юбориб яна келтириб қўлингизга топшурадилар, хотиржам бўлингизлар, хафа бўлмангиз, ҳеч бир хаёл келтирмангизлар”, деб таскин бериб, хомтама қилди. Шу ишга ҳамма ҳайрон бўлибди.

Фўлодхон деган киши ўзи мусулмон, мусулмончиликка даъво қиладур. Маълум бўлинадурки, мусулмон булгани билан илм ўқиб, Аллоҳ таолонинг улуғ маърифати ва сифатини билмаса, гўё ҳеч бир кимсани билмабди, мисли ҳайвон экан. Агарда ҳаромий деб ўлдурдим деса, ул хато ва беҳуда сўз ва тухматдур. Ҳеч ким кўрган ва гувоҳлик берган эмас. Агарда қирғизия қони учун ўлдурдим деса, бу гўдакларда ҳеч гуноҳ йўқ. Бас, маълум бўладикки, қаттиқ кўнгиллик одам ўзи бошқача бўлар экан. Оқиллар нақл қилур эдиларки, ўшал тўфони хун вақтинда Худоёрхон ва Султон Муродбекнинг ёш гўдак авлодларидан илло (ҳеч ким) қолмади. Хўқанд ичида Муҳаммадаминбек – Худоёрхоннинг ўғли қолибди. Унинг волидаси қабристонда гўрлар ичида очу зор сақлаб чиқибди. Қачон Фўлодхон Учқўрғонга чиқиб кетгач, шунда бу бечора заифа, боласини ёруғ дунёга олиб чиқди ва [у] омон қолди. Аммо Фўлодхондан ҳамма кўп қўрқар эди. У ҳамма амалдорларга хужжатини янги қилиб берди. Олдидаги қирғизия сардорлари кимни яхши кўрсалар, андоғ одамга мувофиқи аҳвол (аҳволига мувофиқ) амалу умур (вазифа) берибди.

Яқбора (тўсатдан) хабар келиб қолдики: “Урусия Намангондан Андижонга қараб юриш қилди”, – деб. Қирғизия жамоасидан лашкарбоши қилиб, сартия жамоасининг ҳамма сарбозу тўпу тўпхоналарини ҳозирлаб, ҳамма фуқаро, талабгор ва мерганларни пистирма қилиб, эшик-эшик (ҳовли-ҳовли) деворларида милтиқандоз қилиб қўйиб, Андижон атрофларини чип қилиб, кўп эҳтиёт қилишга тез-тез одам юбориб қараб турди. Фўлодхоннинг ўзи Марғилон ўрдасидан асло чиқолмади, чунки синган оёғи ҳарчанд қилди тузалмабди. Агарда оёғи саҳл (сағал) тузалганда эди, Андижон бориб тамоми лашкари тепасида ўзи туриб, уруш қилар экан, аммо қочмас эрди. Ул вақтда ё ҳамма лашкари ва сарбозлари ва қипчоқияси қирилиб кетар, ёки Фўлодхоннинг ўзи отиб ўлдуруб қутилар эди.

[Абдурахмон] офтобачи жавоб берган ҳамма саллоту сарбоз ва тўпчиларни қайта топиб Андижон юборибди. Офтобачининг ўзи жанг ишига аралашмасдан юборибдилар. Ҳамма лашкар ва сарбозларни унга хон олдида бир саркарда сифатида юрар экан.

Бўлак қипчоқия катталари Андижонда жанг қилмоққа ҳозир бўлибдилар. Урусия Андижонга қараб юриш қилди.

Тепасида Скобелев Андижоннинг шарқ тарафидан босиб кирибти. Тўқайтепа⁶⁸ га кўниб, тўпдан саллотлари ота бошлабди. [Урусия] Андижонга ўт қўйибди, ўт харорати ва шовқуни, чанг ва тутун фалакка хуруж қилиб турди. “Худоё зафар бер”, – деб дуо қилган одамлар йиғи ва аросатда, мусулмонлар ҳам тўпу милтиқ отмоққа ниҳоятсиз ҳаракатларни қилибдилар, аммо Худо бермади бўлмади.

[Уруш] Андижон ичини мисли оташга тўлдириб юборди. Кўп киши ўққа учти, шунча лашкар, шунча тўпу тўпхона ва сарбоз қўлларидан келганини қилдилар, ҳеч бир зафар тополмадилар. Кўп аскар[ларнинг] отган ўқлари етмасдан ва тегмасдан зое кетибди, урусиядан озроқ ўлибди.

Қипчоқия кўп замонлардан бери ўрусия билан урушиб, анинг ўқидан кўп зада бўлиб қолган экан. Шунга тоби бўлмасдан, қочурга ҳозир бўлиб турган эмиш. [Ўрусия] Андижонни олиб қўйганидан кейин, фуқаролари ҳар тарафга қочиб паноҳ топдилар. Валекин тамоми лашкар, тўпчи, сарбозу аскар келиб [бир жойда] қарор топдилар. Ушбу жаҳонсўз хабар Фўлодхонга қелиб маълум бўлибди. Хабар еткургани амирлашкарни юборган экан. Арзу хатларини ўқибди, гўёки юрагига бир катта олов кириб бетоқат бўлиб, қандай иш қилурини билмабди. Олдидаги вазири аъзамларига буюрибди (Мулло Абдурахмон офтобачи ҳам олдида ҳозир экан): “Ҳаммаларингиз Катта масжиднинг ичига кирингизлар, маслаҳат бир жойга қарор берингизлар. Мани оёғим мажруҳ бўлса ҳам борганим яхшими? Чунки ўзим борсам урушиб ё соф бўламан, ёки ўрусияни соф қилиб тугатаман. Агарда мани бормоғимга ризолик бермасангизлар, бўлак кимни иттифоқ қиласизлар (юборасизлар)?” – деб сўрабди. Ҳамма масжидда жам бўлушиб маслаҳат қилибдилар. Охири шунга қарор берибдиларки: “Офтобачи ҳаммаларимизнинг каттамыз, лашкари ҳам кўп. Аввали ва охири ўрусия билан ҳеч жангу муҳориба қилгани йўқ. Хон ҳазратимиз [уни] ҳаммага бош – улуг амирлашкар қилиб юборсинлар. Ҳамма билиттифоқ Худодан тилаб, бирдан ўзларимизни ўрусияга урамиз, Худо [ғалаба] берса ажаб эмасдур. Хон ҳазрати эса ўз жойларида турсин”. Шу маъно маъқул бўлиб, ёрлиғ бериб, Офтобачини [жангга] юборибдилар. Ҳамма лашкар ва сарбозларни унга топшурдилар.

Чоршанба ёки пайшанба куни эди. Офтобачи Марғилондан Асакага қараб жўнабди. Йўлда катта бозор ичидан ўтиб туриб, Офтобачи одамлар юзига қараб дуо илтимос қилибди. Баъзи одамлар йиғлаб дуо қилибдурлар, баъзи одам: “Сен ўшал Офтобачи эмасмисан тинч юртларни бузиб, қўзғаб, ҳар жойда ўрусия тўғри келиб урушмасдан қочасан? Бу сафарда нима иш қўлингдан келур?? Яна тўғри бўлмасдан қочасан”, – деб орқасидан очик айтиб қолибдилар.

Дарвоқе Асакага бориб, ўзини қутултирмоқ учун сулҳ қилиб, генерал Скобелев [га] бориб тўғри бўлди. Иш вақтидан ўтгандан кейин қилган сулҳи ҳеч бир фойда бермади. У қўлга тушди ва Исо Авлиё ҳам қўлга тушди⁷⁰. Қочадурган сипоҳу сарбоз ўз жонини олиб қочди. Лашкари ислом соф (тамом) бўлди, буларни уруштирадиган мисли Алиқули амирлашкар чиқмади. Урусиянинг зоқуни (қонуни)да бу Офтобачи билан Авлиёни иғвогар, бузуғ деб айтур эди.

Энди Фўлодхондан эшитингиз. Фўлодхон бу Офтобачини жангга юбориб, ўзи ва қирғизиялари билан маслаҳатлашиб, молу пул, хазиналарини кечалари тоғ тарафига чиқариб юбориб, ўзи халойиқ кўзида зиёрат қилмоқ[чи] бўлиб, аввал Маоз ибн Жабал [мозори]га чиқиб, қайтиб Марғилондаги ўрдасига келди. Эртасига ҳамма тева, от, ҳамма қирғизияси билан жўнаб чиқиб, Ермазор ўрдасига бориб тушди. Катта қозонларда ош дамлаб қўйиб, сарбозларни ҳам бўлак сартия катталарини ичкари уйларга олиб кириб, сўйдириб ташлади. Фаҳмлаб қолиб кўп одамлар қочиб қутулди. Фўлодхон билан қирғизиянинг кўплашиб келганн шул эканким: “[Булар] мени қирғизияларим билан ушлаб, ўрусга берадилар. Ҳам қўлларимиздаги яроғу аслаҳа, молу от ва тевадарни тортиб оладилар”, – деб сиёсат қилиб, шунча яхши сартияларни сўйган экан. Сўнгра яна бир сабаб шулки, жами юз чоғлик аксар катталар ва умаролар ўрусияга хат чиқарган эканлар. Уша хатнинг мазмуни шу экан: “Фўлодхон қочиш тараддудига тушиб турибди. Иншооллоҳ олдидаги вазирлари билан ҳар жойга қочар бўлганда, бизлар ушлаб қоламиз, фурсат излаб турибмиз, бизларнинг давлатхоҳлигимизни эшитиб қолинг”. Фўлодхон қоровулиннинг қўлига [бу мактуб] тушибди, Фўлодхонга юборибди ва бу қўл берган одамларни[нг] ҳаммасини номлари ва муҳри бор экан.

Агарда Фўлодхон андак тинч турганда (яъни фурсат топганда) шу юз чоғлик одамларни ҳаммасинн сўймоқчи экан. Лекин аксарлари бу иш ҳайбатидан қўрқиб қочган экан. Уша кунларда бу тўғрида ҳам халқ ичинда сўз бор эди.

Яна шуки Марғилон ичинда Фўлодхон хизматини қилиб, чин қалбдан ўзини давлатхоҳ кўрсатиб турган сардорларидан бири тошкандлик (...) оталиқ эди, яна бири Абдуллоҳ деган тамоми саллотларни биринчи даражадаги ловубон (?) каттаси эди.

“Ўрусия лашкари Андижонни босиб олиб, сўнгра Асакага⁷¹ юриш қилди”, – деган сўзни эшитиб, Насриддинбек Хўқандга яқин келган вақтда, Фўлодхон мазкур Бача ботурни ўрнига омонат қўюб, Абдуллоҳ ловубойни Хўқандга муҳофазаси учун буюрган эди. Насриддинбек Хўқанд кириб, дафъатан мазкур Абдуллоҳни ушлаб банди қилиб олди. Бу хабар Фўлодхонга Маози Жабалда бўлган вақтида келиб восил бўлди. Фўлодхонни калласи варам қилди (шишиб кетди). Сўнгра қирғизия катталари Умарбек ва Умматқул казо-казоларга ўзини ташлади. Эртаси қоровуллардан киши келдики, “ўрусия Марғилон тарафига қараб юриш қилур эмиш”, дсб.

[Фўлодхон] эртаси Ермазордан Учқўрғонга қараб жўнади. “Қирғизия билан тоғ орасига чиқиб ва ундан Қоратегин ҳукуматига⁷² ўтиб кетсак, урушдан саломат қоламиз”, – деб кўнгиллади. Қоратегин шоҳи – Музаффаршоҳ қизини Фўлодхон ннкоҳига олган эди. Бу жумланинг ичида шу шоҳ

ва унинг қизи бирга [эди]. “Бўлак хотинларни ташлаб (қўюб) чиқиб кетамиз”, – деб Учқўрғонда пастда туриб эдилар. Бўлак ҳар тоифа киши кўп эдилар. Мутлақан ўрусия халқи бу тоғ тарафидан келиб қолиш мумкин деб, ихтиёрларига келтирмаган, бепарво туриб эдилар. Тўсатдан моҳир йўлбошчилар ўрусияни тоғ-қирлар орти билан бошлаб келиб, Учқўрғон тепасидан чиқариб қўйдилар. Кечаси “урра” айтиб тўп[га] тутди. Фўлодхон ва қирғизия лашкари кўрқиб, шошганларидан аксарлари отларини эгарлаб, бор тоифалари отларига тескари миндилар. Урусия карнай чолиб турибди. Учқўрғон ичига шунча паришонлик ғавғо тушдики, ул ҳолни кўрган киши: “Магар қиёмат бошландими?” – деб кўрқиб йиғларди.

Фўлодхон ва қирғизия мол ва жонларини ғанимат санаб, навед (бир илож) қилиб қочиб қутулдилар. Мазкур шоҳ ўз қизи, яъни хоннинг хотуни ва ҳам бир неча аёлларни бирга олиб чиқиб кетти. Бўлак хотинлари ҳамда Худоёрхон ва Султон Муродхоннинг хотину аёллари, чунончи ўғиллари бисмил бўлган (қатл этилган) ва ўзлари бундай бўлган бечоралар ҳам чўрию хизматкорлари, хазина, тева, оту асбоб, чодару ажнос, полосу ашё бирла тўпу милтиқ ва яроғу аслаҳа тамоман ўрусияга қолди. Бозорчи, ҳар хил самоварчилар ускуналари ҳам талон-торож бўлди. Аммо ўрусия уларни ушламоққа қасд қилмади, ўз ҳолига қўйиб берди. Илло Учқўрғон ичида ушлар эди. Аммо ўрусия бу банди хотин-аёлларга рухсат берди, “ўлгани ўлди ва қолгани қолди”, деган сўзга мувофиқ.

Валекин мингтепалик Шоҳ мирзо додхоҳни “сен урусга хат чиқардинг”, деб Фўлодхон сўйиб тамомлаган эди. Ушбу мақтулнинг ўғли Абдулқаҳҳор мирзо: “Фўлодхонни ушлаб отамнинг қасосини ололмадим”, – деб кўнглида армони кўп эди.

Фўлодхон тоғ ичига бориб [етгач], мазкур [Музаффар] шоҳ: “Хонни Қоратегиндан ўтказиб, балки Афғонистонга ўтказиб [юбораман], хоҳласам бирга кетаман, мумкин бўлса ўзим Қоратсгинда қоламан, хоннинг] ўзини узатиб соламан”, –дебди. Шу хаёли (маҳол) билан Қоратегин сарҳадига яқин келганда, Қоратегин ҳокими амири Бухоро [Музаффар] билан машварат қилди, бу ҳолга қадам қўймасдан, ўрусияга [Фўлодхонни] қайтармоқни хўб билиб, ушлаб келиш учун аскар юборибди. Қоратегин аскарини қирғизия жамоа сипоҳлари кўриб, ҳар тарафга қочиб кетибди. Фўлодхонни бирга олиб кетишни муносиб кўрмасдан қочиб кетибди. Фўлодхоннинг ўзи яна орқасига қараб қочибди. Қоратегин аскарлари [ўз] сарҳадидан ўтиб қувламабди [ва] бу шоҳнинг қизини [ўзи] билан бирга олиб келибди. Фўлодхон тоғ канорларида ёлғиз очу зор ётган маҳалда, Абдулқаҳҳор мирзо бўлак қирғизиялардан эшитиб, ўрусдан рухсат сўраб, беш-ўн нафар одам эргаштириб бориб, Фўлодхонни ушлаб келиб, генерал Скобелевга топширди. Бу қилган хизмати учун ўзини Мингтепа юртига мингбоши қилди.

Сўнгра генерал Скобелев Андижон ва Асака тарафларидаги ишларни бартараф қилиб, Андижон ва Ўш маҳкумларига ҳоким тайинлаб, Марғилонга қараб кетибди. Марғилон аҳллари дастурхон олиб чиқиб пешвоз олиб, иззат-икром билан Марғилон ичига бошлаб келибдилар. Генерал Скобелев кўп шукуҳу салтанат билан ўзи пиёда, саллотлари, тўфчилари, отлиқ козоқ ўрусларини атрофига олиб фуқаронинг кўзларига боқиб келибди. Сиёсатлик назорати бордир. Аммо Марғилон фуқароларидан беадабанома иш тополмади, беайб кўрди, лекин [айрим] марғинонлик ўрусия улуғларига айбдор бўлиб қолган эди. Отақул баҳодурбоши ярим подшо генерал-лейтенант Кауфман дастлаб Тупроққўрғонга келиб ётган маҳалда (келиб кўрган эди), Отақулни фавқ (бошлиқ) “фаҳмлаб, Марғилон маҳкумига ҳокимликка тайинлаб ҳамда Марғилон мулкига лакпули солиб, уни ундириб топшурурга Отақулни тайинлаб, қайтибди. Сўнгра, яримподшо Намангонга жўнаб кетган ҳолда, Валихон тўра бошчилиги ва унинг амри билан Отақулни уриб ўлдириб қўйдилар.

Агарда сахал айб топса, эҳтимол Марғилон аҳлига катта бир сиёсат қилса ажаб эмасдур, деб кўп эҳтиёт қилишиб турдилар. [Скобелев] саломат яна ўшал Тупроққўрғон мавзеига бориб тушди.

Вақтики генерал Скобелев Намангонда турган ҳолда ва яримподшо Тошкандга қайтган маҳалда ва Фўлод хон Андижон теппасида хуруж қилиб турган вақтда Марғилонда Отақул ҳокимларини ўлдириб, сўнгра Султон Муродбек Файзобод қишлоғидан Марғилон фуқароларидан Хўқанд тарафига қараб қочгандан сўнгра Валихон тўрам Марғилоннинг соҳиби бўлиб, қўлларида ҳукумат турган маҳалда, тўрам бир каромат қилдилар.

“Шу жойдан ўрусия[га] ғазот қилмоқ [учун] жўнаб ўрусияни пойлаймиз, муқобил (қаршш юзма-юз) келиши жанг қилсак, иншооллоҳ Худойим бу мусулмонларга нусрат [ғалаба] берадур”, – деб.

Бу сўзларига ҳамма мусулмоньяр. эътиқод қилдилар. “Турам нимарсани билганлари учун шундай деб айтадилар, фатҳу зафар нусрати тўрам қўлларида бўлса ажаб эмас”, – деб ҳамма бормоққа талабгор бўлди. Оти йўқ одам от сотиб олиб ва ҳар хил асбоб, кулча-талқонларини ғамлаб

тайёр бўлиб келиб, тўрамга кўриниш берибдилар. Валихон тўра лашкарларини ораста қилиб, Эски Марғилондан жўнаб Балиқчи⁷⁴ деган қишлоққа бориб тушибдилар.

Бир тарафлари дарёи Сир экан. [Улар] ўрусияга асло тўғри келган эмас, ҳамма лашкар ўз фароғатларида бахайр ётган экан, яъни ҳеч бир одам қўлига милтиқни ушлаган эмас [экан]. Шу аснода ўрусия лашкар келганини эшитиб, тўпу тўпхонаси, қозоқ ўрус дасталари отлик даёдан ўтиб, бирдан тўпу милтиққа тутдилар. Андижон лашкари ҳар қайси ўз ҳолига, баъзилари Шаҳрихон⁷⁵ тарафига, Андижон томонига, баъзилари бўлак тарафга қочиб кетдилар. Баъзи тоифалари қайси жойда хору хас кўринса, бориб беркинибдилар. Аксар одамларга ўқ тегиб ҳалок бўлиб, бир мунча одам жон ширин ўзини дарёга ташлаб, бир озроқ одам ўликлар орасига ётиб қолибди. Ажали етмаган одамлар шу Балиқчи мавзеида бир иложини қилиб беркиниб жон сақлабдилар. Баъзи хабарларга қараганда, жами бир мингта отлар бор экан. Ўрус ўққа тутганда кўп одам, хатто, ўз отини миниб қочурга илож топмабди. Ва ҳам чодару либос, полосу хуржин, аслаҳа-асбобларидан олурга мумкин бўлмабди. Шунча қамалиб қолган отлар, яроғу аслаҳа ҳаммаси ўрусияга моли ғанимат бўлса керак.

Аммо лашкарбоши Валихон тўрам зўрға минг машаққат билан баъзи отини топиб миниб олган ва ўрусия ўқиға учмасдан омон қолган вазиру мулозимлари билан бир тарафга солиб қочиб кетдилар. Марғилонли Мулло Азим (Абдулжалил) мирзабоши тўрам билан бирга қочолмасдан ўқ тегиб вафот қилибди. Қачонки русия амон[лик] чиқариб қайтгандан сўнгра, болалари бориб, жасадини олиб келиб, Марғилонга қўйдилар, деган сўз бор. Лекин кўп киши ўққа учган экан, ҳаммасининг жасади Балиқчи мавзеида ёки ташқарисида дафн бўлинди, деган сўз ҳам бор эди.

Махфий қолмасинки, Худоёрхон ва Султон Мурод-бекни охири асрида чақувларга кўра шул Мулло Азим (Абдулжалил) мирзобошининг бўйнига жуда қатта пул қўйиб гуноҳкор қилдилар. Охири бу (жарима) пулни топиб жамлаб топширурга ҳеч илож тополмасдан бир умр ичида орттурсан молу мулки, ашё ва еру сувини, отасидан қолган меросларигача укаси Мулло Абдулвали ва ўғли Мулло Абдулқодир ва ғайралари сотиб топширдилар, яна бир мунчаси қолган эди. Султон Муродбек эшитиб, раҳм қилиб акаси [Худоёрхон] га айтиб зоҳиран кечди.

Шул маҳалда қирғиз-қипчоқия ёв бўлиб қолди. Ғарази баён шулки, “қайси подшо ўзига ва давлатига завоқ келганини билса, ўз давлатхоҳларини хор қила-дур”, деган сўз рост экан. Ва учунчи, шу Мулло Азим (Абдулжалил) мирзобоши бу хон ва бекка жуда содиқ давлатхоҳ эди. Уз кўзим билан кўрган эдим ва кулоқ эшитган эди. Маълум бўлди яхши одам ҳам экан, туҳмат билан ўлиб кетди.

Лекин Валихон турам “Маоз ибн Жабал (мозори)га бориб, эртаси Ермазорга кўчиб чиқиб, Асакадан ўтиб Учқўргонда Фўлодхонни босиб қоламан”, деб генерал Скобелев жўнаб кетган хабарини эшитиб, муриду мухлислари билан узоқ сафар қилиб, қочиб кетган эдилар.

Махфий қолмасинки, Худоёрхонни[нг] илгари асрида Худоёрхон синглиси ёки қизини шу Валихон тўрага берган экан. Ўзлари домод (куёв) подшоода ҳам бўлар экан. Охири тоғма-тоғ қочиб юрибдилар. Қачонки ўрусия мисли шундай қочиб юрган маъруфу машҳур кишилар энди ўз юрт шаҳрига келиб, ўз ватанида қарор олса мумкин, яъни подшолик таҳқику тафтиш қилур учун йўқлатмайди, ўз бечораликига машғул бўлиб, яна иғво чиқармасдан подшога фуқаро бўлиб, фуқаролари қаторида бахузур турса, деб чиқарган фармойишномани эшитиб, Бекчурин ҳокимга⁷⁶ учраб, кейин ўз уйларига хотиржам борган экан[лар].

Сўз бундайдики, генерал Скобелевни Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман – яримподшо Фарғона музофотида военный губернаторлик мансабига тайинлаб, ҳамма аскария ва тўпу тўпхона, хазинаю дафиналарни топширгани жиҳатидан тамоми ишларни шу Тупроққўргонда туриб саришта қилиб, ниҳоятлик забту рафт (сиёсати) билан ҳар қандай иш тепасида ўзи турар эди. Бир даста отлик қозоқ ўрус бир туғли одам билан бирга юрадур. Шукуҳн рафтори мисли шамол гоҳ бу тарафга, гоҳ бошқа тарафга эсади. Гуноҳкор одамлар унинг сиёсатидан юраги садо қилиб туради ва хайбатидан амалдор ва фуқаро жонини қўлига олиб турарди. Фарғонадаги тамоми мусулмон тўпу милтиқларини ва ҳар жонда ғамлаб қўйган милтиқ дорусини олдириб келиб, Тупроққўргонга йиғиб, тамоми милтиқ дорусини неча чақирим даштга олиб бориб, Скобелевни [нг] ўзи тепасида туриб, эл етиб келиши вақтида бирдан ўт берди, гўёки Марғилон шаҳрини жануб тарафининг тамомиси то осмонгача батамом оташ аланга олиб тўлиб кетди. Фарғона аҳлига генерал-губернаторнинг шул қилган сипоҳгарлик сиёсати бутун коримори (қилмиши) бўлди.

Марғилонда қанча қишлоқ ва юртни қўшиб анинг номини Марғилон уезди⁷⁷ деб дафтарга ёзиб, унга бир ҳоким насб қилиб Марғилонга туширди⁷⁸. Бу уезд ҳокимига бир ноиб ва яна бир ноиб кичик тайинлади. Марғилондаги подшолик боғ ичига келиб туриб, ҳокимлик ишига машғул бўлдилар. Бу ҳокими кабир маҳкама қилиб берар экан. Ҳамма ишларни ва фармон ҳукмини, хату хутут ва дафтар-пафтари, ёзув ишлари шу маҳкамада бўлар экан. Унга бир мирзабоши, унга эса бир

ноиб, яна беш-олти адад ўрус мирзолари ҳозире фармонбардор экан. Ҳаммалари ойлик олар экан⁷⁹. Аммо фуқаролардан эса бир нимарса ололмас экан. Чунончи қонун низоми шундай мустаҳкам экан.

Мазкур ҳокимнинг номи Бекчурин деган нўғай боласи экан. Мусулмон тили ва хатига моҳир бўлган экан. Катта ноиб ва кичик ноибн ўрус боласидан эканлар. Хўқанд шаҳри ичига бир ҳоким тайин қилди ва ташқарисидаги ҳамма кишлоқларни уезд қилиб, унга бир ҳоким тайинлади. Андижонни ҳам бир уезд қилиб, унга Семёнов деган ўрусни⁸⁰ тарих 1876-исавияда, мусулмон хижрия 1294-да Андижон уездига ҳокимликка тайин қилди. Юрт кишлоқлари кўплигидан тўрт адад ноиб кўлига топширди. Ўш, Наманган ва Риштон⁸¹нинг ҳар қайсисига кишлоқ юртлирини зам қилиб, номини уезд қилиб, ҳар қайсисига ҳоким ва ноиб танинлаб, ҳокимият ишига фаол қилди⁸².

Валскин бу уездларнинг ҳаммаси Фарғона Убластной [Областной] маҳкамасига қарар экан. Убластной маҳкама деб, военный губернатор [тайин] қилиб, фармойиш жорий этиб, почтада фармойиш юбориб, хату ариза, яъни ропурт ва дафтари олиб турадиган энг катта, ҳамма маҳкамаларнинг онасини айтар эканлар⁸³.

Военный губернатор[лик] ўзи қайси шаҳарда турса, ўшал шаҳарда очилур экан ва ҳам хазинахона очилур экан. Аммо военный губернатор[лик] ўша Туфроққўрғонда фармон жорий қилиб турган маҳалда, вақтинча шул мавзеда очилиб турилди. Лекин қачон бу военный губернатор [лик] Марғилонга келиб иш қилган маҳалда, Фўлодхонни ўшлаб келиб топширдилар. Военный губернатор афзал мартабали Туркистон генерал-губернатори Кауфман фармойишига биноан катта суд маҳкамаси очиб, бу суд маҳкамасига тамоми катта полавой [полевой, дала] суди ва югурур катта тўраларга улуғ мажлис курдириб, то неча вақтларгача Фўлодхон аслида ўзи ким ва қайси жамоадан эканлигини, кимнинг амру ижозати бўйича бу шаҳарларга хуруж қилганини, иғво чиқарганини, одамлар бошига бу саргардонликни сотганини ва Султон Муродбекни ноҳақ ўлдирганини ҳамда хонзодаю бекзода сағираларини, ҳар хил бегуноҳ одамларни сўйганларини сўраб, тергов қилиб билиб, қатлга маҳкум қилди. Бир катта дафтар қилиб ёзиб кўл кўйдириб олди ва катта қозилар билан рўбарў қилиб туриб, “ҳамма ишларни қилдинг, ҳаммасини хато қилдинг”, деб таъналар айтиб, ишни тамом қилди. Сўнгра Марғилон ичинда катта ўрданинг қошинда, яъни Янги каппон олдида бир катта баланд дор қилдирди ҳам унинг рўпарасига бир қаро устун ўтқузди. Пайшанба куни катта бозор бўлиб, оммаи халқ тамошабин, киши жуда кўп. Шу вақтда Туфроққўрғонда[н] бир сартия аробаси теппасига бир алоҳида тахт қилиб, [Фўлодхонни] ўтқазиб [чиқди]. Тамоми ароба қора бўёқ билан бўялган, ароба[га] кўшиладиган отлар ҳаммаси қора зайтун (мойи)да. Фўлодхоннинг устига кафан кий[дир] ишган, қора рангда ва ҳамма либослари ҳам қора. Скобелев военный губернатор ўзи бошлиғ, тамоми аскария ўртага олган. Ва ҳам Акбаралибек ва Саййид Мавлонбек – Султон Муродбек марҳумнинг ўғиллари⁸⁴ оталари қонини талаб қилиб, яримподшо Кауфманга арза берган эканлар. Булар ҳам генерал Скобелев орқасида ҳамда бу бекларнинг намакхўрда кадрдон хизматкори – Фозил иноқ ва ғайри намакхўрлари бирга, чароки бу жумлалар ва Саййид Насриддинбекка бориб кўшилган[лар] Фўлодхондан қочиб, ўрусиянинг паноҳида аввал яримподшо Кауфман мулозиматида, сўнгра генерал Скобелев хизматида, қайси жойга борса, бирга хизмат қилиб юрар эдилар. Марғилон халқининг тамоми саркорлари ва амалдорлари[ни] Бекчурин ҳоким кўрбошилиқ хизматида қолдирди. Бу одам жуда кескин кўп ва ҳам тамоми қози, уламо ва фузало шундай шукуҳи кавкабайи салтанати [дабдабаси] билан Туфроққўрғон[дан] дорга қараб юриш қилдилар. Аскария халқи ўз мақомини машқ [билан] айтиб, ўрусиянинг шеъру абётларини ўқиб, ўлан айтиб, оҳиста-оҳиста юриб, ҳар хил тарона [ашула] ва баъзилар гиря билан, баъзилар кулги билан [турардилар].

Ҳосили калом, дор остига келдилар. Фўлодхонни аскариялари, мулозимлари, беклар оралатиб, теппасида генерал Скобелев ва тамоми аскария тўралари, соҳиби ҳукм, суд катта тўралари қараб турибдилар.

Фозил иноқ арқон учуни Фўлодхон бўйнига илди ва ҳам деди: “Ахволинг охири шундай мартабага келар экан, бегуноҳ хону бекзода сағирлар сенга қандай ёмонлик қилган эдилар, эй хотинталоқ?” Унга Фўлодхон деди: “Сенинг номи[нг] нима эди? Менинг тиғимдан омон қолган экансан. Ҳайф, армоним кўнглимда қолди”. Ҳануз айтиб тамом қилмасдан дорга тортиб юбордилар⁸⁵.

Баланд дорнинг тепасида бир кеча-кундуз бўлганда, арқон узилиб ерга тушибди. Иккинчи арқон солиб, яна дорга тортиб юбордилар. Жами уч кун дорнинг тепасида турди. Охири Марғилон қози ва уламоларига: “Гўр қилиб, шариатларингизда бари нима бўлса, унга мувофиқ дафн қилсинлар”, – деб тавфиз бўлибди. Уламолар Кўштетапа деган мавзеге олиб бориб, ўшал жойга кўмиб келдилар. Сўнгра авом ун-нос қайси бири Фўлодхоннинг туфроғидан бир мунчасини олиб, бир мариз (касал)га берибди. Иттифоқан ўшал мариз яхши бўлибди. Ани эшитиб ҳамма халойиқ мусулмон бориб, туфроғини талон-торож қилиб кетибдилар. Шул даражадаким, яна бирор ҳафта ўз ҳолига қўйиб

берсалар жасадини ҳам тортиб кетсалар ажаб эмас деб. Улуғлар эшитиб, кечаси бўлак бир махфий жойга олиб бориб дафн қилибдилар, деб эшитиб эдик.

Валекин генерал Скобелев иззатли яримподшо фармойишига мувофиқ ўрусия турадурган шаҳар қилмоқчи бўлиб, муносиб ерларни кўриб, тараддуд қилиб турган вақтда, генерал Скобелевни Истамбул урушига юбориш учун тилигром қилдилар⁸⁶.

Шунда Самарканд военный губернатори Абрамуф⁸⁷ келгандан сўнгра Янги Марғилон шаҳрини бино қилдилар. Аввалан, ўрусияга ва кейин мусулмонияга чек қилиб [ер] бердилар. Обод қилмоқ тараддудига тушдилар. Аммо мазкур уезд ҳокими Бекчурин ҳоким, аввалан, Султон Муродбек вақтидаги дафтарларни йўқлатиб топиб олиб, ўша вақтларда хизмат қилган мирзою саркорларни йиғиб, танобкашларни чақириб, таноби шаръий дафтар қилдириб олди. Ҳам саркорларни ҳар қайси қишлоққа саркор қилиб, уларнинг ҳар бирига биринчидан, мирзо тайин қилиб юбориб, кетидан бир хирож⁸⁹ хирмон кўтариб, дафтар қилиб олди. Бу мусулмон мирзоларнинг тепасидан ва ҳам саркорларнинг тепасидан сўзлашиб, ҳам ҳар хил ишлар тўғрисида билдириб, яхши ким, ёмон ким, сўраган вақтда айтиб туришга Абдували мирзони ўз олдида сақлаб турди. Бир-икки йилдан сўнгра хирожни қозикқа ҳисоблаб, пул олурга буйруқ чиқарди⁹⁰. Аммо подшолик маҳкамасида ўрусия тилидан бўлак тилларга кўтарувладурган тилларни таржимасини қиладур ва ҳамма хулосаларини олиб ўрусия тилига кўтарадур. [Маҳкама] мулкдан кетган хирож ва таноб пулларини олиб, амалдор ва фуқаронинг арзаларини ва рапортларини олиб жавоб чиқарадур ва дафтар қиладур. Ул ҳокимнинг ўзининг хос маҳкамаси бўладур.

Аммо ўрусия олган кундан бошлаб, шаҳар ичига сайлов билан тўрт даҳа қилиб, они ҳар қайсига битта мингбоши ва бир қози юртига сайлатиб тайин қилди⁹¹. Аксари мусулмон подшолари вақтинда бўлган катта мўйсафид қозиларни сайлаб қўйилди. Мингбоши сайлови бўлганда, аксар одамлар мингбоши бўлгани кўрқиб қабул қилиб ва қилмасдан, ноилож муносабати йўқ одамлар ҳам мингбоши бўлиб қолди. Урусия мингбошиларга вазифа ойлик берди. Ва ҳам фуқаролардан униб кўб бўлиб, [улар] дарҳол давлат топти. Юрт [халқи] жонибидан сайларга манъ бўлинган элликбошиларга мулозимат қилиб, пул берса ўшанда одамларни сайладилар. Қозиларга аъламу⁹² муфти⁹³ қилмоқ учун қози қандай одамни суюб ҳокимга арза, яъни рапорт ёзиб илтимос қилса кифоя, қабул кўриб қўлига хужжат қўюб берди.

Аммо мусулмон подшолари вақтида (эса) подшо, яъни хоннинг ҳузурида турганимиз қабул кўриб, оламиён⁹⁴ га супоришнома (буйруқ, амр, фармон) қилур, сўнгра оламиён шиғовул⁹⁵ га супориш қилар. Бу киши мирзобошига сутда (судда) топширарди. Унга қараб иноятнома ёзилар эди. Мувофиқи аҳвол отаси ё хатиб имом⁹⁶ бўлиб, қўлига иноятномаси тегар эди. Аммо мумаййиз (текширувчи) деган ё охунд⁹⁷ ва ё қозикалони пойтахт бўларди, шарифтарин (энг шариф) киши бўларди. Аммо Худоёрхоннинг охирги асрида Марғилон маҳкумида (мулкида) шундай ишларни Марғилон қозикалони Мулло Муҳаммад Бобо охундга тавфиз қилдилар (бердилар). Бу зоти шариф мувофиқи аҳвол ўрин тайинлаб оламиёнга мусаввадаси (қоралама) билан аризаларини юборадурлар. Оламиён хон ҳазратга кўрсатар эди. Лекин бир жойга қози қилмоқ ва мударрис қилмоқ тўғрисида пойтахтга толиб кишиларнинг ўзи бориб арза берарди. Хон ҳазрат арзасини ўқиб оламиёнга берарди, бу киши мумаййизга юборарди. Мумаййиз имтиҳон, қилиб олдига китоб очиб қўяр, қанчалик аҳволи (билим ва тажриба) бор эканлигини билиб, сўнгра гувоҳнома ёзиб уддасндан чиқиш ёки чиқмаслигини оламиён қўлидан хонга маълум қилар эдилар⁹⁸. Лекин ҳеч мўйсафидликда ётган уламоларни бекорга ташлаб қўймасдилар. Аввалан мумаййиз силаи раҳму шавқат юзасидан бир муносиб ўринга қўйдирмоққа бир тартиб жорий қилган эдилар, чунки ноннинг каттаси ҳам, кичиги ҳам нон. Худойи таоло, Ҳазрати Расули оламиённинг ҳурмати динини ўз ақлларига келтириб, уламо кишиларни асло хор ташламас, то ҳатто, аҳли қалам кишини ҳам ташламас, иззат-икромини қилар эди. Бухорои шариф қонунлари ҳам мисли шундай экан.

Ҳосил калом [ўрусия] ҳамма ишларни билиб, дафтарини қилдириб, маҳкамага ёзиб бўлгандан сўнг, мирзолар ва саркорларни жавоб[ини] берди. Мулло Абдували мирзо Бекчурин ҳоким олдида турар эди. Ҳокимнинг мисли қўл оёғидек бўлиб турар эди. Аммо вазифа ёқмас эди ва душманлари ҳаммасини [ёзиб] юборди. “То ҳатто, хирожу таноб ва закот⁹⁹ дафтарларини олиб келиб, ўзи пулчиларига бериб, ичиндаги подшолик пулларни йиғиб олиб, ўз маошига сарф этди. Бундан бўлак. ҳар хил ғализ ишларни жуда кўп билади”, – деб военный губернаторига воқеа қилиб такроран [ёзиб] ташладилар. Охири тергов-тафтишга гирифтор қилиб, ҳоким олдида келмайдиган қилди. Ва ҳам мулло Абдували мирзонинг хосиятлари бу ҳокимга таъсир қилди¹⁰⁰ ва ҳам военный губернатор фармойиш юбордики: “Маҳкамада турган икки адад мусулмон мирзоси кифоят, ҳамма мусулмонча хатларни ёзурга ва ҳамма дафтар ишларни ҳам шул икки мирзо қилсин, кифоят ва бўлак мирзо турмасин”, – деб. Чунки военный губернатор муқаддам йилда алоҳида қилган фармонига мувофиқ

Бекчурин ҳоким уезд маҳкамасига икки адад мирзо тайин этиб қўйган эди. Ани[нг] биттаси мен котибнинг ўзим эдим. Сўнгра Бекчурин ҳоким бу ўриндан бекор бўлдилар.

Бу ҳокимнинг ўрнига моюр Эрванистаки¹⁰¹ вақтинча омонат ҳоким бўлиб ўтирди. Бу ҳоким вақтида военный губернатор фармойиши билан тамоми экинларга мусулмон танобчиларнинг қўлига таноби шаръий тортиб, дафтар қилиб келурга таноб бериб чиқарди. Танобчилар ҳар қайси мингбоши қўл ости [да] неча ададдан чиқиб [ерларга] таноб тортиб, аъло, авсат (ўрта), адно(паст)га бўлиб, ҳар қайси экинни алоҳида қараб ёзиб, дафтар қилиб, маҳкамага топширди. Бу танобкашларнинг ҳар бир танобига нечта тийинда деб хизмат ҳақи ҳисоблаб бериб турди. Аммо бу танобкашлар фуқаролардан кўп пора, ришвалар ҳам олиб, тўйиб келиб маҳкамага келганларида, бу жойдан шундай таноб ҳисоблаб, катта ақча олур экинлар. У[лар]нинг маҳкамалардаги [ишлари тўғрисида] деҳқон фуқаролар бизларга хабар айтур эдилар. Аммо танобчилар “оч қолдик, шаҳарга келиб ошу нон топиб едик”, деб қасамхўр бўлар эдилар. Ўзимга ўзим кўп айтур эдимки, “агарда шул тоифа бой бўлармикин ёки ўлса гўр-кафанини бўлак одам қилармукин”, деб.

Дарвоқе аксар киши ўлиб, боз қарзи чиқди ва биз аҳли қаламларга лоақалли ошпули бермас эди. Бу тоифаларни ўрус мирзобошиси Поляков тўра деган тобини олур эди ва ҳам мутаржим, андин сўнгра тилмочлар баҳра олар эди. Аммо куз фаслига борганда таноб ҳисоблаб, ҳар қайси экин аҳволига қараб нарх кесиб, анинг тепасидан: “Мингбошилар хазиналик пулларини ундириб топширсин”, – деб яна фармойиш юборди. Мингбошилар мисли шундай бажо келтириб турар эди. Вақтинча ҳоким моюр Эрванистаки Наманган уездига куллия ҳоким бўлиб кетди ва анинг ўрнига Тошкандда турғувчи пулқувник Мединский¹⁰² деган ўрус Марғилон уездига ҳоким бўлиб келди. Қарийб бир йилгача ҳокимлик қилиб туриб, охири Фарғона военный областной маҳкамасида туриб хизмат қилурга, ноибликка тайин бўлинди ва унинг ўрнига Марғилон уездига штабс-капитан Алексеюф¹⁰³ деган киши ҳокимликка тайин бўлинди.

Сўнгра бу Алексеюф тўра ҳокимлик ишини қилиб турган маҳалда военный губернатор фармойиши билан ҳамма экинларни ва қайроқ[ер]ларни таноб тортиб ёзиб, ҳар бир волост¹⁰⁴ қишлоқларининг экинларини аъло, авсат ва адно қилиб, ҳар қайси зотни баёнлаб ёзуб топшурурга областной маҳкамасидан неча минг китобу дафтар келди ва ҳар қайси танобкашларга неча юз ададдан бериб, олганига қўлини қўйдириб, муҳрини бостириб, қўлларига таноб бериб чиқарди. Аввалдан бу танобкашларни дала ва қишлоқларга чиқармасдан бурун ҳар қайси маҳкум(мулк)лардаги катта деҳқон ва инобатлик одамларни ўз амалдор мингбоши ва амалдор қозиси билан маҳкамага чақириб олиб мажлис қилдирди. “Экинларингизни таноб торттириб, бу китоби қароқош дафтарларга ёздириб, анинг юзасидан хазиналик пулларни аҳволига қараб нарх кесиб, пул талаб қилиб олурман ва сизлар нима дерсизлар?” – дебди. Бўлди ғавғо, жанжал. Фуқаролар: “Бу янги таомул шариатимизда йўқ, норозийдурмиз”, – деб унамадилар.

Фуқаролардан эски марғилонлик тавил ул-қомат (баланд қомат) ва қалил ул-хусул (кам натижа) ва ағлаб ул-жаҳолат (кўпи жоҳил), дигар (яна) мустақим парда орқасида бир муборакли кишининг ўшал вақтда департос (депортация)¹⁰⁵ қилган ва ҳам бошқа департослар ҳам бор эдилар. Хусусан, Каттабоғ мулкидан кишилар кўп. Шул хангомада ўшал баланд қоматга каттиғ-каттиғ сўзлаб: “Сан охири бу қилиғингдан абохта¹⁰⁶ бўлишинг ҳам узоқ эмас”, – деб авайлайин деганда, бирдан жаҳли чиқиб устундаги ҳамма либос ва қўйлақларни ерга ташлаб: “Абохта қилсанг мана мен ҳозир!” – деб Алексеюф ҳокимга қараб югуриб қолгандан кейин ҳоким кўрқиб: “Тўсинг-тўсинг бу дуракни... бу девона бўлган”, – деди. Фозил иноқ олдида ҳозир қараб турган эди. “Тақсир ҳоким, бу киши андак девонароқ, ўз фуқароингиз гуноҳини авф қиласиз”, – дебди.

Ҳосил калом, ўрусия кулоқ солмасдан маҳкумга танобчи чиқариб, ўшал қароқош дафтарига ёздириб, куз орасида нархнома ёзиб, таноб юзасидан пул олиб, тўғрисида кесиб берди. Сўнгра Марғилон маҳкумига “землемер”¹⁰⁷ чақириб таноб торттирди. Ҳар бир қишлоқ ерларини аъло, авсат, адно мартабасини ажратиб, ҳар қайсисининг жами мунча, сувлик аъло ери мунча таноб ва сувсиз авсат ери мунча ва сувсиз адно ери жами мунча таноб, деб ёзди. Землемерлар подшолик ерларигача ва оқ вақф¹⁰⁸ ерларигача ажратиб баёнлаб таноб тортти. Баъзи оқ вақфларнинг устида мутаваллийси ҳозир бўлмаса ёки кўрсатиб бергучи амин¹⁰⁹ ва инобатлик [киши] “бу оқ вақф фалон жойнинг вақфи, таҳдиди (чегараси) фалон жойгача”, деб айтиб бермаса, андоғ оқ вақфларни ҳам мисли омма одамлар ерлари қаторида қолдириб, таноб тортиб, ёзиб кетти. Землемер дафтар топширгандан сўнг ҳар қишлоқдан уч хил тупроқ олдириб келиб, подшолик кўриб, охири аҳволига – сувлик ва сувсизлигига қараб, нарх ёзиб чиқарди. Сўнгра ҳар кимнинг қанча ери бор ва қайси мартабадаги ер, ўз ўрталарида таноб қилиб билиб, ўз ўрталарида тақсимнома қилиб, танобига қараб пул солурга фуқаро аҳли жамоат ихтиёрига топширди. Фуқаро аҳли жамоати мисли шундай тақсимнома қилиб, қўл қўйиб

маҳкамага топширди. Бу тақсимнома дафтарнинг остига подшолик мухрини босиб, ҳокимлар қўл қўйиб инобатга олиб, ичидаги хазиналик пулларни ундириб, хазинахонага топшурурга тақсимномани мингбошисига топширди. Мингбоши тегишли аминига бериб, пулларни ундириб хазинага топширди.

Шундай тартиб ва қоидалар жорий бўлмасдан туриб, мазкур кафтан (капитан) Алексеюф Фозил иноқ ва ҳам Мулло Муҳаммадкарим шайтон ўртасида воқеа бўлган пул тўғрисида бир бетартиб иш ўтибди. Бу тўғрисида подшоликка маълум бўлиб, охири тергову суд ҳукумларига гирифтор бўлиб, баъзиси турмахонада ётиб чиқди. Шу пул важҳидан (капитан) Алексеюф ўрнидан бекор бўлди. Тарикаси бундай бўлган эдики, бу Мулло Муҳаммадкарим шайтоннинг ўзи – аслида тошкандлик эди, пулковник (полковник) Мединский Марғилон уездига келган вақтида¹¹⁰, бу ҳоким унга раҳму шафқат этиб, Бекчурин ноиби тайин қилган – Муҳаммадамин чуствлик қўрбоши босмачи-ўғри хусусида қўрбошилиқдан бекор этиб, унинг ўрнига бу Мулло Муҳаммадкаримни қўйди. Қўрбошилиқ ишини филжумла бошқарар эди. Мединский ўрнидан бекор бўлиб, ноиби Алексеюф тўра вақтинча ҳоким бўлди. Шу маҳалда военный губернатор фармойиши билан Эски Марғилондаги катта ўрда ўрнини бузиб, хароб ётгани жиҳатидан ҳар хил дўкон солиб (ўтириб), ўз мулки қилиб олурга, ўртасини каппон қилурга толиб кишиларга чек қилиб берурга бу Алексеюф мазкур Муҳаммадкарим билан Фозил иноқни чекчибоши қилиб қўйган экан. Бу қари бўри ва тулки бу хусусда ўз хоҳишларидан одамларга чек бериб, ўз нафсларига қараб юриб, балки касофатлари бу ҳокимга ҳам тегди. Улар ўрнидан қолдилар (бекор бўлдилар). Аммо бу қарздан муқаддамроқ вақтинда бу ҳокимнинг кичик ноиби поручук Зобусуф(?) деган ўруснинг ўзи билан нафсига қолган киши элини, то ҳатто, ёлғуз бу Алексеюф эмас, балки ўрусиянинг шаънини бир пул билан тенг қилди. Тергов ва тафтишга гирифтор бўлиб, ўрнидан қолиб, охири Сибирга ҳукм бўлинди¹¹¹. Ноқиллар шундай нақл қилганларини эшитдим.

Мазкур генерал ўрнига Областной маҳкамасида ўтирган Мединскийнинг бир катта ўғли вафот қилибди. Аввал куни эшигига ҳар хил тўралар келиб жам бўлиб ўлтирган маҳалда, мазкур Мулло Муҳаммадкарим келиб, “қадрдонман” деб аралашиб юрибди. Ўз кўнглига шундай ишни тадбир узра муносиб кўриб, “шу улуғлар мажлисида ва уларнинг олдида бир йиғлаб кўзларимни нам ёшини тўкиб, изҳори муҳаббат қилсам, нозирлар ҳузурида жуда яхши иш бўлар эди”, дебди. Ҳарчанд зўр қилибди, бир қатра ёш чун абри навбахор чиқмабди, санги хоро (катта тош) ичиндан бир қатра умид суви чиқмай асло муяссар бўлмабди. Яна мазмун кесарлар бунинг аҳволига назар қилиб турган эканлар. Аммо бу нодон ул ҳарифлардан беҳабар ёнидан бир қизил қаламфурни олиб оғзига намлаб туриб, икки кўзига сурибди. Охири шул даражадаги аҳволга келибдики, йўлини тополмасдан, балки икки қўлини кўзларидан ажратишга имкон тополмай қолибди. Уни кўриб турган тўралар бир-бирига ишорат қилиб, “ҳой-ҳой” кулибдилар ва ҳам “сартнинг билмаган балоси йўқдур”, деб хайратда қолибдилар. Сўнгра ўз йигитига ва хизматдаги тожирларга таҳрир қилиб берибди. Бинобарин бу одамни “Мулло Муҳаммадкарим шайтон” лақаб қўйган эканлар. Бекорга айтмаган эканлар.

Алексеюф бекор бўлгандан сўнг, капитан Дейбнер¹¹² деган ўрус Марғилон уездига ҳоким бўлиб келди. Бу ҳокимнинг маҳалида ҳамма закотлар: бўрдоқи закот, чорва моллари закотиغا барҳам берилди. Ҳамма савдогарлар хоҳ ифтурий (иккинчи) гилди (гильдия – та-бақа), [хоҳ биринчи гильдия] ўз қувватига қараб хазинахонадан қоғоз олурга тартиб жорий қилинди¹¹³.

Бу ҳокимга катта ноибликка капитан Ивонуф¹¹⁴ тапин бўлиб келди. Кичик ноибликка подпоручик амаллик ўрус ва балки фулк (полк) жамба (тараф, томон)идан Крамчовиский¹¹⁵ деган узун оёғ тайин бўлиб келди. Аслида бу иккаласи аскария ичинда хизмат қилиб юрган экан. Бу ҳоким (Иванов) охири фуқаро – халқнинг арз доди тўғрисида табора бепарволик қилди. Қиморни кўп ўйнаб қарздор бўлиб юрди.

Ушал вақтда Абрамуф военный губернатор ва Туркистон генерал-губернаторликка иззату ҳурматли, олийҳимматли, аввалги дамда бу Туркистон музофотининг Маллахон ва Мулло Алиқули амирлашкар билан уришиб, Тошкандга келиб ўлтириб, обод қилмоққа тадбир истаб турган маҳалда ғаммос (ичикора)лар сўзи билан Исломбул билан жанг қиладурган бўлиб тўрт генералдан амирлашкарликка шул киши [Черняев]ни биринчи юборилган, подшои аъзам чақириб, бу кишини ўрнига шу Туркистон генерал [-губернатор]ликка иззатли Кауфманни юборган [эди]. Ушал қадрдони олийҳиммат Черняюф яна яримподшо бўлиб келди¹¹⁶.

Бу Абрамуф военный губернатор қоғоз бериб, ўзи(ни келтириб) Россияга кетар бўлгани учун Самарқанд военный губернатори иззатли Иванов¹¹⁷ Фарғонага военный губернатор бўлиб келиб қолди. Дейбнер ҳоким воқеасини эшитиб қолди. Ўша кунларда штабс-капитан Марғилон ҳокимининг иккинчи ноиби Задонский Водил¹¹⁹ да иккинчи ноиб бўлиб бошқариб турар эди. Ал-ҳосил мазкур Дейбнер ҳокимни Ўш уездига ҳоким қилиб юборди, аммо Ўш ҳокими капитан Тумич (Томич) тўра¹²⁰ ни Марғилон уездига ҳоким қилиб келтирди. Валекин мазкур Томич тўра аввалдан генерал-

губернатор Кауфманга, иккинчи военный губернатор Ивановга кўп эътибор топган инобатлик киши экан. Урусия ичида ҳам кўп мағлубият[да] қолган киши экан, пораю ришвадан кўп парҳез қилар экан. Марғилон уездига келиб қараса, балки Фарғона аҳолисининг аҳволотларига назар солиб қарасаки, ҳамманинг аҳволи кўб хароб, ерларидан ҳамма безор бўлган ва оладиган одам топилса, дарҳол ишлаганига сотади. Аксар ерларни тегишли қистаб турган ўлпон жаримасини берурга хоҳлаган одамга мулк қилиб бериб, васиқа¹²¹ қилиб берибдилар. Бир хил ерларни ҳеч ким ўлпонин тўларга мулк қилиб олгуси келмайди. Баъзи ерларда унадурган ҳосиллари ўлпонига етмайди, ерлар хор-зор. Арзон ғалла сотиб, қарз узмоқ жуда қийин кўринади. Пилла тутиш аслан бўлмайдиган бўлиб, курт тутсалар курти ўлиб қоларди. Тут[дарахтлари]ни ўтин қилиб, шундай афгор бўлган эканлар. Тоза [бу оғир аҳволни] билди. Ул вақтда амирикон пахта эқмоқ ва [ундан] нафланмоқ (фойдаланмоқ) ҳануз расм бўлган эмас в пахта зовутини (заводини) ҳеч ким бино қилмаган эди. Раҳми келиб неча тадбирларни ўйлади. Аввалан Фарғона областной маҳкамасига рапорт ёзиб, Марғилон уездига курт уруғини тозаланиб курт тутарга, ер сотиб олиб, амирикон уруғидан олдириб келиб, дехқончилик қилиб, фуқароларга олган ҳосилларини кўрсатди. Пилла уруғини тозалатиб, курт туттириб, кўп пилла олиб, фуқароларга кўрсатиб, расман жорий қилдирди. Ўзи пахта зовути бино қилиб, ҳаммага манфаатини кўрсатди. Буни кўриб Эски Марғилонда қозигузарлик эшон Гиёсуддинхўжамнинг ўзлари ва ҳам бу зоти шарифнинг катта ўғиллари Саййид Аҳмадхонхўжам Марғилонда ва Тошлоқда пахта зовутлари бино қилдилар. Бу хўжамни кўриб Мулло Абдурахмонхўжа эшон зовутлар бино қилдилар. Сўнгра Мулло Мирзо Олимбой, Муҳаммадшоҳхўжа Саййид Мусохўжа ўғли, Мулло Муҳаммаджонбой ва ҳам Мулло Отабек ва бошқа бойлар зовут солиб ҳаммалари жуда катта ривож топдилар¹²². Марғилон уездидаги фуқаролар, алалхусус дехқонлар шул Томич ҳокимнинг қилган тадбири хосиятидан баҳра топиб бой бўлдилар ва ўлпонларини билло таваккуф (тўхтатмасдан) топшурурга қодир бўлдилар. Андин сўнгра фаранги Алвизитўра¹²³ Оқпилло¹²⁴ қишлоқиқа келиб пилла тутиб тоза уруғ берадиган бўлди. Шундан бери курт пилласи тобора тараққий қилди. Шундай оммаи халойиқда ва ҳам хазианага наф еткуриб турган Томич ҳоким подполковникни генерал келган вақтида ўрус душманлари пайваста хафа қилмоқ тараддудига тушдилар. Жуда катта бой купес (купец-савдогар) бўлди деб, кўролмасдан бош ҳокимларига қоғоз ташлайвердилар.

Мани бечорага кўп хизмат буюриб, инобат қилиб ихлос қилур эди ҳамда ўз ёнидан менга кўп эҳсон мурувват қилур эди. [Шунда] ҳатто, мангача синадилар, айблик қилиб мани ҳам йўқотмоқ фикрига тушдилар. Охири нафақаи авқот хизматидан бекор қилурга фитналари таъсир қилди. Шундай одамларнинг аксарлари ўзларини отиб ўлдирди, баъзилари ҳозирда бордир, бўлак ортику кам сўз йўқ, Аллоҳ ҳозиру шоҳиддир. Хасм (душман) деган фурсат излаб юруб, охири зарари тсгар экан. Подполковник Томич шундан ғаразлик одамлар шарридан (ёмонлигидан) кўрқиб, остафка (отставкага) қоғоз бериб, ўзини бекор қилиб Андижон бориб бекор ётиб қолди¹²⁵.

Унинг ўрнига Марғилон уезди, Янги Марғилон ва Андижон уездига иззатли Бряннов¹²⁶ ҳоким бўлиб келди. Бу ҳоким асрида Фарғона музофотига иккинчи даража яна землемер чикди. Тартиб келиб, маҳкамаларга ёзиб таҳрир [қилиниб] ва нархлар кесилиб, ўлпон олурга мукаррар бўлди. Ҳамма ҳосил жами дафтар бўлиб, ишлар осон қилинди, қўлда ёзиладиган тамоми хатлар учун машиналар қилди, оғир юклар ва меҳнатлар осон бўлди.

Валекин ушбу ҳоким асрида, яъни исавия тарих 1898инчи [йил] Мингтепада тургувчи Дукчи эшон Муҳаммадали халифа [Собир ўғли] деган одам¹²⁷ бир кеча ичида ўз хонақосини тахминан беш-олти юз ағёрлар билан, махфий тайёрлаб турган одамлари билан аксари отлик ва ҳам пиёда бўлиб хуруж қилдилар. Улар тўгри Андижон бориб, йўлда учраган ўрусия хизматкори ҳам [юк] ташийдиган бир дунган йигитни ушлаб ўлдириб, от арқонига шу йигитнинг бир оёғини боғлаб кўйиб, сўнгра Андижонга бориб, саллотхона қошида ўтирган дўкандор-баққолдан қанча адад саллот ва аскар бор эканлигини оҳиста сўраб олиб саллотхонага кирибдилар. Ҳамма саллотлар тинч ухлаб қолган эканлар. Дафъатан аввал корхонага босиб кириб ҳамма саллотларни босиб хоҳ қилич, хоҳ шоф, хоҳ ханжар ёки калтак билан шунча одам шитоблик билан солаверибдилар. Саллотларнинг милтиқ, қиличи, найза аслаҳаларини олдиндан қўлга киргизиб олган эканлар. Ҳаммасини қатл қилибдилар, то ҳатто, хотину аёл ва гўдак болаларигача азоб билан ўлдириб, ундан ўтиб бўлак лагерга жўнаб турган ҳолда, қоровуллари бу шундай қора кечада мисли тумандек шунча одам келиб турганини ўз капрол (капрал) – элликбошисига хабар бериб, ул аскар тўрасига воқиф қиладилар. Ул тўра жусту чолок чопиб чиқиб: “Ота бошла!” – деб фармон берибди. Саллотлар мисли оташ ташлагудек, халифа ва ёронлари мисли барги хазон тушиб кетиб, кўп киши ўз офатидан ҳалок бўлибди. Маъракаи аждарпайкар (оғир ҳолат, вазият)дан ҳар кимиким саломат чикди халифаи соҳибкашф кароматини иккинчи кўролмади. У бир тарафга қараб қочиб қутулди. Валекин халифанинг ўзи икки-уч нафар

ёрон ва мулозимлари билан тоғ ораси тарафига қочиб кетди. Аммо бу саллотлар ва тўралар бу қандай ходиса ва қандай жамоа эканини равшан билмасдан орқасидан қувиб, кўринган одамни отиб, ташқарига чиқиб қарасалар, ҳеч ким йўқ, ҳамма тарқаб кетибди.

Мақтул бўлган (ўлик, қатл этилган) ўз жамоаларига келиб кўрсалар, тамомиси, ҳатто, заифа, ёш гўдак болаларига қонга бўялган. Зор-зор бу аҳволларига қараб йиғлабдилар.

Кун ҳам чиқиб [қарасалар, бу иш] ўрусияга Мингтепадан чиқиб келган соҳибхуружлардан эканлиги жумладан маълуму равшан бўлиб, уларни ушлаб келмоққа бир тоифа халқ қувиб бориб, бир миршабни ушлаб келибдилар. Халифанинг кўлида бир яхши тўппончаси бор экан, лоақали сиёсат қилмоққа ярамабди. Жони ширинлик қилибди. Яъни тамоми шавкат (тамоми куч) ҳали ҳам кўнглида бор экан. Отса ҳам бўларди. Шу тўппончаси билан отиб турса, ҳеч ким ушларга ярамас экан. Халифанинг ёнида бир мулозими ҳам бор экан, тўғри ва омонлик билан ўзини ушлашибди. Қўлларини боғлаб олиб келибди.

Шунчалик аҳволга шундоқ улуғ амри азим ишга иқдом (журъат) қилганидан маълум бўлдики, асли халифанинг ўзида ақли комил ва ҳуши солим йўқ экан, балки кашфи жину шаётин (шайтон ва жинларнинг кашфи) билан ҳамроз бўлиб қолган экан. Шу маҳалда илми бор бўлса эди, илм қуввати билан жилваси вас-васасини билур эди ва ҳам ўзи ўйлар эдики: “Бу ўрусиянинг ўзи катта иодшоҳ[лик] дир, тўпу тўп-хона, аскар ва хазинаю дафинасн кўп. Агарда бир ускуна ва аскариясини ўлдириб соф қилсам, оташ аробаси билан бир кеча-кундузда яна бошқа аскар юбориб ҳозир қилади. Бу ҳозирги жамоа тоифасини урушиб йўқ қиладиган аскаримнинг аксари қариб, меҳнатдан қочиб, қайси ерда(н) муфт (текин) ошу нон бор экан деб излаб юрган одамлар бўлса, бир тоифаси кўхна (эски) ишга ҳам ярамайдиган сипоҳлар, қирғиз ва қипчоқия ва туркия, ёнига чақмоқ осган байталсувор (байталга минган) олақарғалар бўлса, ёнимдаги вазири аъзам маслаҳатчи Мулло Муҳаммадқуб қози ва эшикдаги вакили ўгли фалон банги бўлса, бундай зафариктисоблар (ғалаба эгалари)ни ишга солиб уруштириб турадиган салотин амири ман бўлсам, бу соҳиб хуружларга сарф қиларга жам қилинган янги пулни уйдаги ойимлари бермаса ёки Мингтепадаги ва Арабон қошидаги ғор ичидаги девлар ва ҳукамолар ҳазрат Сулаймон пайғамбарнинг етти хазиналаридан бири қилган тнлимотларини очиб, олиб берадиган мисли Жолинус [Гален] алломадек ҳукамо ҳам олам сафҳасига келмаган бўлса, ул вақтда қайдан олиб сарф қиламан?” – деб ўйламайди. “Бу қовоқари уйини кўзиб кўйиб ва бузуб адо қилмасдан, бутун оламга тарқаб кетиб, мени касофатимга оммаи халойиқ қолмасин”, – деб ўйламади.

Уша ходиса кечаси¹²⁸ ва эртаси ўрусия халқи Андижонга отув қилар бўлиб, “булар бу ишга аралаш-ёралаш эмас, аввал шуни билмоқ керак”, деб подполковник Томич деган мўътабар тўра чиқиб, кўчама-кўча коляска-ароба билан юриб, мазмун олиб юрибди. Бу ўрус тўраси айланиб юриб қараса, Андижон фуқароси ҳар куни мис жомларида таомларини ношто(овқат) қилиб ўтирган эмиш ва бу ўрус тўрага ҳеч ким қарамабди, ҳар ким ўз ҳолича, ўз расми сўзи билан базму айшига машғул. Кечаси ўтган ходиса тўғрисида сўзлашмайдилар, балки бу хусусда беҳабар кўринадурлар. Аҳвол ва аъзолари тағйир топган эмас. Ў тезлик билан ўз ёронларига келиб мулҳақ бўлиб айтибдики: “Бу иш тўғрисида Андижон фуқаролари, умуман, воқиф эмас. Аслидан кечаги ўтган ғавфо ва хунрезликнинг маслаҳати йўқ, ҳатто, кеча нима ишлар ўтибди, унинг ҳам эшитмагандек, мен тушиндим”, – деб отувни манн қилибди. Кейин таҳлил қилсалар, Томич тўранинг айтган сўзлари рост экан. Ҳамма оммаи халойиққа кундуз куни [бу ходиса] шоеъ (маълум) бўлибди. Андижонликлар оташ балоси ва тир (ўқ) зарбидан нажот топдилар.

Янги Марғилон тарафидан военный губернатор, жами катта улуғлар ва соҳиби судлар, терговчилар соат учгача келиб жам бўлдилар ва тарозуномаи аъмол ва маснади аҳкомини кўрдилар. Ул жамоатки, бу бетартиблик номаи ёмон ишга қадам кўйибди, ёки саллотларга тиг урибди, ёки маслаҳатга аралашибди, ёки шу қотилларнинг эҳтиёжи тўғрисида ёрдам берибди, ёки шу одамларнинг отини ушлабди, ёки халифа хонақоҳига юриб мурид бўлиб, ошу нонини еб, хизматини қилибди, тергов вақтида бир-бир айтиб берибди.

Халифанинг номма-ном мусаввада дафтарини ўз давлатхоҳларидан топиб олиб, тамоми мурид ва мухлисларини шу кечаси бирга юриб хизмат қилган ва қилмаган ҳар қайси қоидаи имтиҳон чиғириғини чиқарган вақтида нечтаси бир тарафга ва бошқа тарафга ажратилди. Андижон ичига дор барпо қилдилар. Соҳиб ҳакамлар ҳар қайсисини ба андозаи гуноҳ (гуноҳига яраша) хоҳ осмоққа, хоҳ адам саҳросининг водийси (йўқлик, нобудлик саҳроси)га юбориб қарор берурга, хибс машаққатига киргизиб кўюрга ҳукм қилдилар, баъзи тоифаси аҳбор билан халққа кўшилгани билан ўзи ғойиб ва номи дафтар ичида йўқ ва ҳамда кечаси бу тоифага келиб кўшилмаган, яъни тухматга қолган бўлса, ундоқ одам хориж бўлибди. Кимки хотини бева қолмоққа ва фарзандлари етиму молу мулки торож бўлмоқни ўйламади ва шу халифага келиб кўшилиб, хизмат қилди, охири водийи ҳайратда фано ва

[ҳоли] табоҳ [хайрат водийсида нест-нобуд] бўлди. Кўп одамларнинг қонлари тўкилди, кўп адад бевалар ва гўдаклар хорлику зорлик билан ўзлари оч, кўзлари нам, оху афғонда, борурга жойлари йўқ ва емоққа таомлари йўқ, киймакка либослари йўқ. Мулклари [тортиб олиниб] ўрни Марҳамат¹²⁹ деб тасмия бўлди (номи ўзгарди). Баъзилари шу саргардонликка юриб ҳалок бўлдилар. Агарда бу тоифа қаторида иттифоқан тухмат билан қонлари тўкилган бўлса, бундай ҳукми ноҳаққа ўзлари зомин ва рўзи ҳажргоҳ (қиёмат куни) фазъи акбар мақомида ва жами халойиқ кўзларида қандай жавоб бергани ва қандай укубатга қолганини халқнинг ўзи билади.

Баъзи қилган гуноҳкорлар бор эди, мисли Ҳидоят хон(?) тўраи қотил, неча ойдан кейин Қоратегин тарафидан йўл топиб ўтиб кетолмасдан, билети (ижозати) йўқлигидан ноилож Хўқандга қайтиб келиб, қўлга тушиб осмоққа ҳукм бўлди. Янги Марғилонга олиб келиниб дорга осиб ўлдирилди. Ўша жойда дордан тушириб, соҳиб ҳакамлар яқин бир қабристонда дафн қилдилар. Баъзи сўзларга қараганда тўралар жамоаси дахмасига олиб бориб дафн қилибди. Ноқиллар: “Тўрани осур вақтида қараб туриб эдик, ўша ўрусия улуғлари айтибдилар, “авлоди пайғамбар – саййидни ўлдириб бўлмас, начук ўлдирасизлар?” деб. Аммо улар ҳеч жавоб айтмасдан дорга тортиб юборибдилар, – дейди. Подшо император марҳамат қилиб сана 1322 (милодий 1904) йилда яна ўз ватанларига келтириб қўйди, деган хабар бор. Валекин бўлак Қоратегин тарафига қочиб кетган қорақўрғонлик турк амирлашкар қўлга тушиб, Сибирга юборилган эмиш. Яна биттаси (...) ёки қорақўрғонлик дегани келиб уйида махфий ётган экан, ул ҳам қаҳрамони афғор бўлди. Баъзилари қайси тарафга келиб жон сақлагани номаълум. Ўша Ҳидоятхон тўранинг ўзи саййид бўла туриб шул халифага мухлис экан.

Бу кишини [халифа] лашкарбоши қилган экан. Халифанинг муриди. мухлислари жуда кўп экан, балки Мовароуннаҳр ичида ҳар тоифадан бор экан. Халифанинг онаси, хотин, бола-чақаси ва яқинлари Сибирга сургун этилди. Булардан қайтиб келган ва келмаганлари номаълумдир.

Халифа касофатидан Фарғона музофотидаги фуқаролар иштироб (штраф) тўладилар, кўп пул бердилар. Ҳолонки Мингтепа ва Андижон Хўқанд қишлоғидаги одамлар халифа қилмиш ишини саҳал фаҳмлаган ва фаҳмламаган, ломакон бўлса ўзлари биладилар, илло Марғилон, Хўқанд, Наманган ва Андижон, ШШ билмасдан қолган, мутлақан беҳабар эканлар. Аммо Мингтепа мингбошиси Мулло Нозим Махзумнинг ўзи ва йигитлари Мингтепа ишини яхши билиб юрар эдилар. Халифанинг яхши инъомлари, пуллари, ҳатто, овқату ғалла ва емларигача баъзан олиб юрган экан. Баъзи вақтларда халифага меҳмон бўлиб, сўзлашиб юрган, халифанинг қилиб юрган тараддудига меҳмон бўлиб, сўзлашиб юрган экан. Лекин халифадан ҳамиша қўрқиб, “мабодо губернаторга ёки ҳокимлар келиб қолган маҳалда мани ёмонлаб арз қилса, ҳамма юрт катта оғалари унга ёрдам берса, эҳтимол мингбошилиқдан мани бекор қилса ҳам узоқ эмас”, [деб] ўйлаб, муроса қилиб келар экан. Лекин кўнглига “халифа қўлидан нима иш келур”, деб ҳам ўйлаб писанд қилмай турган.

Асли бошида военный губернатор Капрануф¹³⁰ ҳоким ва ҳам кичик ноиб, яна аскария фривастав¹³¹ келиб ўтирганда халифанинг ўзи бист (йигирма) даражадаги либосларни кийиб, хўрок нафақаси (еб-ичмоқ, озик-овқат нафақаси), ҳақи[ни] янги пулидан қилиб, бўлак таомни емабди. Эшигида катта қозонлар турган, ошлар пишиб турган экан. Нонвойлар катта тандурларни қуриб, нонлар ёпиб, узуб турган, атрофдан ҳар ким келса, дарҳол отларига ем ва хашак солиб турган. Ўзларига ошу нон ва ҳар хил неъмат фармон бериб, аҳли қишлоқдан ҳар қандай очу яланғоч хоҳ ғариб[га] даркоригача бемалол берар экан. Аммо ҳеч кимдан таъма қилмас экан. Бу ҳолни ҳокимлар келиб кўриб, “бу-яхши халифа эшон экан, ҳамма фуқаролар бундан хуб баҳра олур экан”, деб истехсон қилиб (маъқуллаб), “яхши, яхши қилсангиз, шундай равиш қилсангиз, хурсанд бўламиз”, деб юзига айтиб эшиттириб, рухсат берибдилар. Военный губернатор, ҳатто, ўттиз сўм халифа қўлига пул бериб чиқиб кетибди. Шу жиҳатдан халифа улуғроқ аҳволга тушиб, балки Низом Махзум мингбошини писанд ҳам қилмасдан қолди. Приставга эрка бўлиб, балки пристав бола-чақаси билан мухлис бўлиб турди.

Хуруж қиладиган куни Низом Махзум ўйлаб: “Нима бўлса, ман ўз эҳтиётимни қилиб, фриваставга рапурт ёзиб маълум қиламан”, – деб рапурт ёзди. Йигитини қўлидан юбориб, приставга қўл қўйдириб олди. Охири шу иши Низом Махзумни дордан сақлаб қолди. Пристав бу рапортни Янги Марғилонга юборди, кеч вақтда бориб ҳокимга тегди ва ҳоким губернаторга етказди. У бундан кеч жўнаб кетди.

Ўша ҳодиса бўлган кечаси Низом Махзум халифа эшонниқига бориб, фурсат ғанимат халифа эшонниқига қаровул қўймоқни билиш баҳона[си] билан борибди. “Бир умрга етадиган қимматбаҳо ашё ва ажнос, асбобу ипак гиламларни махфий олиб, Эски Марғилондаги ўз эшиқига юборди”, – деган халойиқ ўртасида сўзлар пайдо бўлганди. Халифага вафо қилмаган моли дунё Низом Махзумга ҳам вафо қилмади. Тарих 1324 (милодий 1905) йили Низом Махзумнинг ўзи ҳам вафот айлади.

Бу ҳодисадан уч кун илгари мингтепалик маъзул булган (ишдан олинган) Абдулқаҳҳор¹³² мингбоши Янги Марғилонга келиб Марғилон уездининг ҳокими Барануф (Бряннов) тўранинг катта ноиби Хиракий тўра(?) пристуф олдиға келиб: “Мазкур халифа хуруж қилмоқчи бўлиб турибди, икки-уч кундан кейин хуруж қилади. Ушбуларнинг ичига одам қўюб, воқиф бўлиб туриб эдим, фаҳмлаб: “Аввалан Абдулқаҳҳорни тутиб қатл этиб, сўнгра бўлак тарафға қараб юриш қиламиз”, – деб қасд қилганини эшитдим. Кечаси Куллага қараб қочиб, ул жойда ҳам туролмасдан тўғри сиз ноиб тўраға келиб эшиттириб турибман”, – деб айтган-да: “Сен ёлғон айтасан! Халифа яхши одам, ҳеч вақт шундай ишни қилмайди. Ғаразингни биламан, иғво чиқариш учун айтасан. Дурак сен, суволич бўласан”, – деб сўзига инобат қилмасдан қайтарган экан.

Абдулқаҳҳор мирзо [деди:] “Бўлак сўз қилмоққа чорамиз бўлмади, чунки бу ўруснинг феъли – агарда бировнинг иттифоқан бир феъли унга хуш кўринса, шул одамни мартабасини баландга чиқариб, пайваста ёрдам қилиб, охири катта ўринга қўйдирадир, ҳеч муносиб бўлмаса ҳам. Агарда бирор сабаб билан ёмон кўриб қолса, шундай одамга пайваста душманлик қилиб ўз улуғларига, иззатлик одамларига ва амалдорларига ёмон қилиб курсатиб юриб, охири ўрнидан олдириб афгор қилади. Хоҳ катта мартабадаги одам бўлсин, хоҳ кичик мартабадаги одам бўлсин то йўқотмагунча қўймайди. Бу сўзлар одамлар ичинда зарбулмасалдур”.

Ҳосили калом, Абдулқаҳҳор мирзо кўп афсус қилди... Антдики, “бу Хиракий бадгир мени сўзларимни инобатга олмади. Бу бутун Фарғонага кулфат соладиган касофатлик ишдан ўз мусулмонларимни муҳофизат қилиб олиб қолмасдан қандай куруқ [қ]айтаман” деб ўйлаб, Файзобод волосной управители Охунжон ака олдиға борди. Ва: “Ман Каретуф¹³³ (идора) жойига, бугун уч кун бўлди, шундай улуғ амрдан воқиф қилиб огоҳлик соламан, асло сўзимни инобатга олмайди, “сан бир ғаразда келиб айтасан ва ўрин умид қиласан, дурак, суволич”, деб ўзингизга маълум қарашларини қилади.

Ташлаб кетайин, десам касофатига кўп одамлар қолса керак, тезда туриб мен билан олдиға бориб тушунтиринг, илло ҳамма афкор бўлади”, – деб айтди[бди]. Сўнгра Охунжон мингбоши [га] келиб тушунтириб, тезда бу иш тўғрисида тадорику илож қиламиз деб, арз қилгандан кейин [у] уезд ҳокимиға бориб ҳаммасини тушунтирибди. “Ҳатто, Абдулқаҳҳор дастлаб келиб ахбор қилганида ҳам ғараз қилиб, инобатга олмаган эдим”, – деб айтади ва уезд ҳокими Брянуф военный губернаторга бориб айтади. Валекин военный губернатор андак суслик билан тараддуд қилибди. Халифа эса бу онгача ўз давлатхонасидан хуруж қилиб чиқибди. Қўйган воқеанависи: “Абдулқаҳҳор Янги Марғилонга кетди”, – деб хабар берган экан. [Губернатор] ҳойнаҳой бир фавж (даста) ўрусия аскарини бошлаб кетибди.

[Халифа:] “Афсус, юз афсус. Абдулқаҳҳорни кечаси босиб, йўқ қилмоқ зарур экан”, – деб кўп шитоб билан Андижонга қараб юрган эканлар. Ғаразлари: “Андижон лагеридаги саллот аскарини йўқ қилсак, кейин Янги Марғилонга қараб жўнармиз”, – деб иттифоқ қилган эканлар. Улар аввал оташаробанинг [изини бузган] ва тилигром[сими]ни кескан эканлар.

Қачонким Абдулқаҳҳор мирзонинг уч кун илгари [берган хабарини] Каретуф ноиби бориб билдиргани тўғрисидаги ишни рост ёки ёлғонлигини, агарда Каретуфга уч кун илгари хабар берган бўлса, нечук бу фасод воқеа бўлмаслигини боисидан тушиб, [нега] илож қилинмабди? – деб тергов қилиб, Абдулқаҳҳор мирзони [Каретов билан] рўбару қилиб, низом ва закун бўйича қандай жазога қолдиришга ҳукмини қилиб топширсинлар, деб Туркистон генерал-губернатори Андижонда қаҳру ғазаб билан қараб турибди.

Соҳибҳукмлар аввалан Абдулқаҳҳор мирзони чақириб олиб сўрадилар. Абдулқаҳҳор тамоми ўтган сўзларни биайниҳи (қандай бўлса) терговчи соҳибҳукм тўраларга таҳрир берибди. Уни эшитиб, ёзиб қўл қўйдириб олдилар. Сўнгра Каретуф тўрани чақириб сўрадилар: “Ғажолиста, сиз старши фамушник (пожалуйста, сиз старший помощник) бўласиз. Нимадурки, бир раъия сизга уч кун илгари шундай улуғ ходиса тўғрисида хабарларни келиб арз қилади, сиз ўз вақтида тегишли жойга билдирмайсиз? Уз вақтида билдирганингизда шундай катта шўришлар ва хунрезликлар воқе бўлинмас эди, иложи қилунар эди”. Каретуф нима жавоб айтибди [денг]?

– Ори, Абдулқаҳҳор мирзо манга келиб ахбор қилди. Ўша иш тўғрисида хабар айтган маҳалда Абдулқаҳҳорнинг ўзи пиён эди. Пиён кишининг сўзига дафъатан ишонмадим. Кейин икки ёки уч кундан сўнгра Охунжон¹³⁴ мингбоши билан ҳамту (шундай) келиб боз (яна) ахбор қилди. Охунжон мингбоши “шўл сўз рост” деди. Инобатга олиб уезд ҳокимиға билдирдим.

Терговчи тўралар унга дедиларки:

– Абдулқаҳҳорни пиён эди, деб айтдингиз, пиён маҳалда сизга айтганлиги ҳақида гувоҳ борму?

Ори, гувоҳим бор эди, ўшал гувоҳим Файзобод мингбошиси Охун эди, – деб айтибди. Сўнгра Охунжон мингбошини чақириб олиб Каретуф ноиб деди: “Сизни бу хусусда гувоҳ қилиб кўрсатдим.

Ҳозир терговчи тўралар олдига, суд маҳкамасига кирасиз. Кеча сизни чақириб ҳозир қилмоққа менга фармойиш қилган эдилар”.

Охунжон мингбоши “хўб” деб, суд маҳкамасига кириб, терговчиларга учради. Тўралар сўради:

– Абдулқаҳҳор мирзо додхоҳ ўғли Каретуф ноибга халифанинг хуружи тўғрисида ахбор қилган вақтда сиз қайси жойда эдингиз?

– Каретуф тўра олдида эдим.

– Хайр (яхши), ундоғ бўлса, ўшал ҳолда Абдулқаҳҳор қандоғ аҳволда эди?

– Пиён кўрилган эди, – деб жавоб берди.

– Шу ваздан сизни гувоҳ кўрсатди, [Каретуфга] гувоҳ бўласизми?

– Хўб, гувоҳ бўламан, – деб айтибди.

Бу кишининг гувоҳлик тартиб-қоидаси [га кўра,] ўшандан кейин Абдулқаҳҳор мирзо ҳозир келганда:

– Ушал ахбор қилган вақтинг [из] да пиён эдингиз-ми? – деб айт[ил]ганда Абдулқаҳҳор айтибди:

– Узр тақсир, ман умримда бундай ичкилик деган ишни қилмаганман ва на кўрганман, ҳатто, нос деган фалокатни оғзимга олмаганман. Алҳамдулиллоҳ сўфиман, бу сўзим рост ва ёлғонлигини ҳақиқат қилдириб билсалар мумкин бўлар, – деб узр қилибди.

Иттифоқан ўшал тергов бўлган куннинг кечаси: “Эмди ўшал иш бўлиб ўтиб кетди, яна бу сўроғу тергов ва тафтишга машғул бўлинмасдан отказ қилинсин”, – деб подшои аъзам императордан тилигром келиб қолибди. “Бу хусусдаги ишларнинг ҳаммаси ўз жой-жойида тўхтаб қолади”, – деб шундай сўзларни ўшал вақтда халойиқ айтишини эшитган эдик. Одамлар айтиб эдиларки, агар подшоҳдан шу мазмунда тилигром келмаса эди, Каретуф ноибнинг зиммасига айблар бориб қарор топар эди.

Валекин Марғилон уезд ҳокими полковник Брянуф тўра бу Каретуф тўрадан ҳамиша нолиб ҳасрат билан: “Ҳар иш бўлди, шу Каретуфнинг касофатидан ва худройлигидан (худбинлигидан) бўлди. Аммо бўлак жондан кўриб бўлмади, яъни бундан бўлак ноиб бўлса, дарров эшитиб дарҳол иложи тадорик қилур эди”, – деб айтди.

[Брянуф] военный губернаторга фомушник (помощник), катта ўринга мансуб бўлиб Тошкандда вафот қилиб кетди.

Аммо ўрусиянинг наздида [Брянуф] Скобелев генерал обрўйидан кейинроқ обрўманд ва жуда улўсифат киши эди, ҳозирда андоғ ростгўй киши йўқдир.

Муҳаммадалини Андижонда хўб тергов ва иқроқ қилдириб, қўл қўйдириб, сўнг ҳукм қилиб, дорга осиб ўлдириб, жасадини оҳак ичига солиб, бир номаълум жойга мадфун (дафн) қилдилар, деган хабар ҳам бор эди. Халифа ва ёронларидан ҳеч бир асар қолмади.

“Лекин халифа қайси сулукда эди?” – деб сўрасангиз шунча миқдор биламизки, илми йўқ ва бебизоат (камбагал) киши экан. Ёшлик вақтида марҳум Султон тўра хизматларида бўлиб, охири инобат қилиб юриб муриди хослари бўлган экан. Тўрам бир вайрона ва нообод жойни кўрсатиб: “Шуни атрофини девор қилиб обод қиласан”, – дебди. Халифанинг ўзи паҳса уришни яхши билур экан. Пиримнинг амри олийлари деб, аз тахти дил уриниб, баланд девор қилиб, иморат қилиб, обод қилибдилар. Қайси ишга буюрсалар кўнгилларидаги матлуб ва ғаразлари биайниҳи ижро қилаверган. [Султон тўра] ўз фарзанд авлодларига бош қилиб: “Шунинг амридан чиқманглар”, – деб айтибдилар. Ҳатто, мухлисларига тумор бериш саодатига мушарраф қилибдилар. Шунчалик тўра пиридан илтифоту марҳамат бўлунгандан сўнг, тамоми мурид ва мухлис, оммаи халойиқ “халифа” деб ном қўюб ихлосманд бўлдилар.

“Тазкират ул-авлиё”¹³⁵ ва “Нафаҳот ул-унс”¹³⁶ мазмунларига қаралганда, машойихи куборларнинг ҳар қайсилари бўлсин ўз асрларида муридлари қобилиятига қараб баъзисига иршод¹³⁷ берибдилар. Ўшал иршод билан матлубига етибдилар. Баъзиларига бириси лақаб билан ёд айтибдилар, ўшал ному лақабнинг хосиятидан матлубига етибди. Баъзиларига бир луқмаи покларидан бериб едирибди[лар]. Ўшал луқмаи пурхосиятни тановул қилиб, дарҳол аҳвол[лар]и ўзгариб, шунинг хосиятидан осмони болони кўрибди [лар].

Валекин бу халифанинг ўзида ҳеч бир гуноҳ йўқ экан. Ниҳоятда шунча хислати бор эканки, ўзи меҳмондўст, дастурхонлик ва ошлику нонлик киши экан. [Халифа ҳам] луқмаи пурхосиятни тановул қилиб, дарҳол аҳволи ўзгариб, шунинг хосиятидан осмони болони кўриб, охири бир тоифа халойиқи мўминга ҳидоят кунанда (ҳидоят қилувчи) бўлибдур, мисли ўшандай мартабага етган экан. [Лекин] шайтон йўлдан оздирибдур. Бу тоифа шайтон оздургон маҳалда агарда илми бор бўлса эди, шаётин васвасасига унамас эди. Ўзидан йироғ қилиб, дафъ этар эди.

Чунончи, илгари ёшлик вақтимда, илму устоз суҳбатларида ўтирган вақтимда, шайтон васвасаси тўғрисида амри маъруф қилиб ўтирган маҳалда, кўнгилга келтируб эрдим. Шайтон ўзи қандай сифатда васваса қилса, не тариқа васваса қилар экан? Ва қандай сўздур? – деб охири дуо ўқигон машгуликка ружу қилгандан сўнгра, бу тоифа ман билан мухолифатчилик қилиб, ман билан хасм тушуб, кундуз куни бир тариқа нишон беруб ва бир ишга таклиф қиладур. Ва ҳаргиз кўзга зебо қилиб кўрсатиб ва ёки шунга вужуд боғлаб ва мумкин қилнб нишон кўрсатиб, яъни шул ишни қилишига ман [га] (чунончи бу ҳисда бўлиб мавжуд бўладур), тазвир кўрсатур. Аммо ўзим аниқ билиб тураманким, агарда шуни қилсам, албатта, менга бир зарарли кун бўладур. Шундай ишга ружу қилмасдан таваққуфда (воқиф) қоламан ва сўнгра кўзим андак уйқуга кетадур. Кўзум андак уйқуга борган вақтда яна бўлакча нусха қилиб тезлайдур. Аммо мени кўлимда бир тиғ ҳозир бўладур ва [у] бир қавий(кучли) бад суратда бўлуб кўринадур, шул тиғ зарби билан зарб қилиб урушиб кетаман. Дафъатан тилимга “бисмиллоҳир-рахмони-р-рахим” келадур. Сўнгра [у] мендан қочадур. Ва аксар кечаларда чақириб келадур, ақалли ёнимдаги одам чақириб келган овозини фарқламайдур. Шул тоифани билсангиз, шайтон деюр.

Валекин [айтганимдек] бу халифанинг ўзида ҳеч бир гуноҳ йўқ экан. Атроф жонибдин муриду мухлислари бўлар экан. Мисоли шундай фаоллардан ҳар хил ғаллот ва қўй, сигир, от ва сўқум ҳадялар кўп келур экан, даъфатан сўйиб катта қозонларга солдурар экан. Ўзига олиб қолмас экан ва атрофдан ҳар қанча мусофир меҳмон келса, бемалол, отларига хашак ва хизматкор тайёр экан. Ҳамиша ўзи риёзатга машғул ва агарда меҳмонларни ичинда мулло, уламози бор бўлса, дарҳол ғозу роз овозахон саловат ва мисли тавофи зиёрати байт асруркан, – деб исломдан савол қилиб ва шу тариқа меҳру шафқат, мурувват ва ояту ҳидоят, роҳи мусулмончиликни сўраб машғуллик қилиб ўтирар эканлар. Валекин кўл олиб ва нафи исботу бу хил сулук [йўналиш] ва роҳи ҳақиқат¹³⁸ ва тариқат¹³⁹ ва маърифат¹⁴⁰ ҳеч қайси ҳануз жорий қилган эмас ва маълум эмас, балки тўрамдан ҳануз ҳосил қилгани йўқ экан ва шул мақомда шайтон ва жин хатога бошла[ганга] ўхшайдур.

Эй ёрон азиз! Биродарим, мўмину қасиримда шайтону жиндан ва шайтон ишини қатъий фаҳм қилдим. Шайтону жин халифанинг ўзига кўринмасдан ва балки оғзи тарафидин ва ёки ости тарафидин ичига кириб андан кўкрагидаги мавзесига кириб туриб, халифани тезлайди ва кўзига жилва қилади.

Шайтон ишлари инсларга ҳис бўлар. Халифанинг гўшти ва ёғи, қўй ва кишмишафшон паловини ва седана солган нонларини еб, мураббо ва бодомларини, новвоту асалларини ҳазму мухтор қилиб, халифани гоҳ султон қилиб, гоҳ соҳиби хизрважҳ қилиб кўрсатиб, мажбурлаб ташқарига чиқариб ҳамма илмсизга илм бўлар деб, кўзига бир соҳил чин кўрсатиб, шундай балоларга сабаб бўлдилар.

Ори, азалда қалам кетган экан, чора йўқ бўлса керак. Шул одамларнинг аксари бурун замонда шоҳу амир бўлиб ўтуб, ўрусиядан манфаат кўрмаган ва ёки давлати кетиб, бедавлат бўлиб қолган ва баъзиси нон излаб қолган. Ва ҳам ҳар хил бузуғ ичида ўғрию қароқчи хунхўрлари ҳам бор экан. Ваҳоланки, ўзларининг кўзлари етар эканки, қўлларидан ҳеч иш келмаслигини ва ҳам ўрусиянинг зўрлик ва укубаткор эканлигига. Ҳамма одамлар ҳалокатга кетар экан лек исломлари қарор олур эдилар. Бовожуди халифани тезлайдилар ва хусусан, мингтепаликлар кўриб, “бундай қилмангиз! Сизнинг касофатингиз билан хонавайрон бўламиз”, деб ўйламадилар ва шунча одамни ичинда бирорта олиму мулло, уламо киши аралашмаган. Агарда бор бўлса эди, бундай ёмон ишдан манъ қилур эди Лекин тўрамнинг ўзлари соҳиби ҳол ва хуфия сулуклари ҳазрати Нақшбандияга¹⁴² борур эканлар, мартабалари кўп олий экан. Бутун кабиру сағир ҳамма муриду мухлислари бўлар экан.

Бир кун каромат қилиб айтган эканларким: “Шу мани сулукимда бўлган Худо бандалари қарочопонларидан бир ўт чиқиб, шул атрофга бориб куйдириб, охири бир бурчакка бориб тўхтаб, ўшал жойда сокин учиб йўқ бўлади”. Бу айтган сўзлари каромат экан, ушбу халифанинг ўзига ва хуружи бемаҳалига далолат қилади деб ақида қилганмиз.

Тарих 1889 инчи йилида мазкур полковник Брянуф тўра гарчанд ўз қўлости Марғилон маҳкумидаги Минггепа қишлоқдан Муҳаммадали халифа хуруж қилиб, шундай шўришлар зухурга келган бўлса ҳам, обрўйи шунчаки, оқподшо императори аъзам ҳазратлари полковник Брянуф зиммасида айб қўймабди¹⁴³, балки катта ўринга кўтарибди. Марғилон уездидан олиниб, Тошкандда генераллик ўринга бориб турурга ёрлиғ келди ва у Тошкандга кўчиб кетди.

Унинг ўрни Марғилон уездига комиссар ўрнига гурган [Эрдановский]¹⁴⁴ деган ўрус келиб ўтирди. Обрўйи халойиқ ўртасида нописандроқ киши эди. Шул одам ҳокимлик қилиб турган маҳалда, унга катта ноибликка Каретуф ўрус ноиб бўлиб, уезд маҳкамасида ўтириб хизмат қилурга муқаррар бўлди.

Мингтепа қишлоқлик одамларнинг мулклари шу халифанинг хуружи шу жойдек зухурга келиб жорий бўлганидан хазиначалик қилиниб, яна подшолик марҳамати билан янги қишлоқ бино бўлиб, номини “Марҳамат волости” деб ном қилинди.

Бу Марҳамат қишлоғига ўрусия мужиклари кўчириб олиб келинди¹⁴⁵ ва ҳар қайсисига уч танобдан чек қилиб ер берилди, гуёки “Урусобод” деган Марҳамат қишлоғи саҳал вақтда обод бўлди¹⁴⁶.

Марғилон уездени тўрт приставга бўлиб, тақсим қилиб топширди. Ҳамда Эски Марғилон шаҳри ичига бир пулисмейстер¹⁴⁷ ташкил қилди. Ва ҳам бир алоҳида пристав тайин қилиб қўйди. Ушбу тарика ишлар тепасида ҳокимлик қилиб туриб, охири тарих 1900 инчи йилларда Марғилон уезди ҳокимлик ўрнидан бекор қилиб олиб, Тошканддаги бир каттарок ўринга юборилди. Тошкандда бўлиб турган вақтида касал бўлиб тўсатдан ўлиб кетди.

Лекин инсоф юзасидан айтсак, Тошкандда турган Туркистон генерал губернаторлар ичинда, аввалан, генерал Черняюф Урусия давлатининг ҳусайни ва инъомлик, бу давлат шонини юқори кўтарган соҳибшавкати ва ҳам жангу муҳорибаларда пурдил (довюрак) баҳодури эди. Иккинчи [си] генерал-лейтенант фон Кауфман билан хатм бўлди.

Марғилон уездига ҳоким бўлиб келганлар ичида аввал Бекчурин, иккинчи полковник Томич ва учинчи полковник Брянуф билан ҳокимлик ҳосил бўлди. Булар учаласи раиятга яхшилик қилишиб ҳам пора олмасдан ўтиб кетдилар. Бўлақларини тазкираи ҳуккомия (ҳокимлар тазкираси)да таҳрир қилмадим.

Ушбу замони тинчда Марғилон уездида ва хусусан, Эски Марғилонда ва ҳам Янги Марғилонда ислом дини, миллати ҳанафиядаги мўминлар ичиндаги дини мусулмонийга маҳкам ушлаган ва шариат айвонида ўтириб, роҳат қилмасликни ўзига лозим кўрган ва оммаи муслиминни бир кўз билан кўрадиган, рўза ва ифтор, қурбонлигини ўз вақтида қилиб турадиган, хатми хожани тарк этмайдиган, ўз вақтида бечораларга закот берадиган, шундай шариат ошу нонларини пиширганда янги тунликка чақириб бермасдан, Ҳазрати Худованд раҳматидан умид тутиб, ғазабидан сақлаб қоларми экан? деб ризолигини излаб, мадраса ва қорихона, масжид қуриб, садакаи жория учун ўз дунёи ҳалолани сарф қилиб турган киши кимдир?

Аввал биринчи даражада – Эски Марғилонда Қозиён жамоаси Қилич Бурҳониддин уруғларидан Мулло Саид Аҳмадхонхўжам валади ҳожи Гиёсиддинхўжа эшон марҳум ўғли. Қозиён хонақоҳларининг қошига тарих 1320 (милодий 1902) хижрийда бир олий қорихона, мактабхона солиб бино этган ва унга вақф тайин қилибдилар. Иккинчи [бошқа ўғиллари] шул маҳаллада ўз қаср эшиклари рўпарасидаги Ҳазрати Бобоҳон шайх ул-исломни бир Тути кўхна (Эски тут) мадрасаси ва қорихонанинг ҳамма иморатларини бузиб ташлаб тарих 1325 (милодий 1907) йили бошлаб бир, катта мадрасаи Жомеъ маъа (билан, ва) қорихона, мактабхона бино қилдилар. Тамоми курсибандлари мрамрдан, арманий усталарни олиб келиб ишлатиб, баланд кўтартириб катта Жомеъ масжидининг айвони ва ҳам хонақоҳи деворлари, дарсхоналари хишти пухтадан, кўча тарафи айвони, хонақоҳу дарсхонаси, томи ва девори ишдан қутилиб, тепасини ёпмоқ ҳаракатига тушдилар. Бу санада, ниҳоят, масжиду хонақоси битганда, анча қиёс қилиб айтадилар, яна икки йил, яъни 1909 йилда шул мадрасаи Жомеъ тамоман тайёр бўлинур экан. Андоғ бўлса, жуда катта пул сарф бўлинур. Гиёсиддинхўжа Эшонҳожи Худо раҳматли жуда олийҳиммат, мақбули омма ва соҳибдавлат, имонли, соҳиби эҳсон ўғилларини худойим берибди. Яна бўлак ўғиллари ҳам яхши. Бири яхши мулло бўлган, мадрасаи Мир Мусулмонбойга мударрис. Яна бўлак ўғиллари ҳам яхши давлату обрў топган кишилардир. Хўжамнинг ўзлари Марғилон маҳкумида ҳозирда биринчидурлар. Худо офатлардан сақласун. Соҳибзовут (соҳиби завод), соҳибдавлат, соҳибқобол ва хайру эҳсондир.

Камина Фарғонада Хўқанд шаҳридаги катта мадрасаларни кўрдим. Бу хўжамнинг қурилган мадрасаларининг тарҳи ва сурати ҳеч мадрасада йўқ ва сарфи харажати ҳам ўша катта мадрасаларга кетган сарфдан зиёда бўлса ҳам ажаб эмас. Таъриф қилинса ёлғон эмасдур ва ҳар ким кўрса сўнгра билур. Масжид ва хонақоҳида ҳеч ким бу тасвирда масжиду хонақоҳ қилмабди ва сарфу харажатида чидай олмайди. Мадраса учун вақфларини тайёрлаб қўюбдурлар. Хўжанинг ота-оналарига раҳмат ва юз минг раҳмат демак керак.

Иккинчи – шу асрдаги соҳибқобол ва зовутдор, ускуна ва дунёлари кўп, обрў топган марғилонлик Мулло Абдурахмонхўжам Бузрукхўжа эшон ўғлидурлар.

Учинчи соҳибдавлат ва соҳибзовут, Марғилондаги ҳаммом, соҳиби ускуна ва иқбол марғилонлик Мулло Муҳаммадшоҳхўжа Сайид Мусохўжа ўғлидур.

Тўртинчи – эски марғилонлик соҳибзовут ва соҳибдавлат Мирзо Олимбой чимёнликдир.

Бешинчи – марғилонлик соҳибзовут Мулло Отабек.

[Марғилонга] бошқаёқдан келиб қолган соҳибдавлатлар. Уларнинг биринчиси – Янги Марғилон шаҳрида асли Тошканддан келиб туриб қолиб, молу дунё топиб, шул асрларда биринчи обрў ҳосил қилиб, Янги Марғилонга яхши масжиди Жомеъ солган Мулло Муҳаммадолимбой.

Иккинчи – Янги Марғилонда Хўжанддан келиб туриб қолиб, соҳибмулк ва мол бўлган Муҳаммадҳошимбой.

Учинчи – Янги Марғилонда тошкандлик соҳиби мулк ва мол Мулло Абдулҳоликхўжа, ўрусия Марғилонга келган вақтида катта эшон ва муллолардан.

1876 нчи масиҳо тарихида ўрусия Марғилонга дохил бўлган вақтда сайид номлари зикр бўлинган қозикалону домулло ўзлари[ни] маъзул қилиб олдилар ва бўлаклари [эса] қозиликда қолдилар. Чунончи, ўрусия Марғилонга келган вақтда катта устоз муллолардан икки киши бор эди. Иккалалари ака-ука эдилар. Акалари домулло Муҳаммад Бобо ва укалари Маҳмуд Бобо эдилар. Бу амалларни Худоёрхон ёки Маллахон уларга берган эди. Бу азизлар Хўқанд давлати борлиғи замонида аксар катта шоҳона мажлисларида ёки фатво, ривоят, ҳалли масъалани мушкулларда бу ака-уканинг улуғлик мартабалари халойиққа маълум бўлинур эди. Хону беклар кадрларини билиб, кўп иззату икром қилардилар. Урусия келган вақтда бу қози домулло [лик ва] қозилик ишига аралашмасдан мударрислик қилиб ётдилар. Домулло Муҳаммадамин [Бобо] охунд эски аъмоллик ишига аралашмасдан хуфия сулуки илм ал-ҳол мақсадига ўтириб, дарс айтмоққа ҳавола қилиб турардилар.

Мазкур қози аскар домуллога вақтинча ҳоким бўлиб турган моюр Эрванистаки (Арвонистаки) кўп мухлис эди¹⁴⁸. Узлари Сафилтўда даҳасида қозн бўлиб турардилар. Тарих (?) ҳижрийда вафот қилдилар. Орадан тўрт йил ўтгани йўқ эдики, қозикалон домуллонинг ўзлари ҳам вафог қилдилар. Шу қози аскар билан қозикалондан кейинги мартабадаги [қозилар] Поччо-жонхўжа¹⁴⁹ қози ул-қузот ва ҳам қози раис Юнусалихўжа¹⁵⁰ дир. Бу иккаласи, чунончи Поччо-жонхўжа қози ул-қузот Машҳад даҳаси ва Юнусалихўжа қози раис Қаландархона даҳасига қози эдилар. Урусия давлатини бу уч қози беш-олти йил хўб кўрдилар, ўзлари яхши одамлар эдилар.

Аслида бу иккала қози ул-қузот ва қози раисни ҳам Худоёрхон ёки Маллахон китоб ўқиттириб қози қилган экан. Шу вақтда Тошмозор даҳасига қозилик қилиб турган Хўжажонхўжа¹⁵¹ қози мазкур қозикалон домуллонинг олдиларидаги аълам ва муфтиларнинг бири эди. Урусия давлатини ҳеч ким Хўжажонхўжа қозидек кўрган эмасдур. Ушбу замондаги қозиларнинг дурустроғи ва [хуш] пойқадами шул кишидур.

Андин сўнгра Мулло Бузрукхўжа қози¹⁵². Булардан кейин Сафилтўда қозиси Мулло Музаффархон¹⁵³. Бу кишидан кейинги мартабада Езёвон қозиси Мулло Шоҳ Умар¹⁵⁴.

Ушбу одамлар мусулмон хонларининг вақтида қўлларига қалам ушлаб юртга хизмат қилиб, аралашиб юрган. Хўжажонхўжа ва Мулло Бузрукхўжа фатво ишига моҳир эдилар.

Шу вақтда ўрин ва амал ишига аралашмасдан бир кунжида китобу қоғоз қилиб ётган икки азиз уламо бор. Бири Мулло Ҳошимхўжа эшон¹⁵⁵ ва иккинчиси Мулло Тўхта Назар аълам¹⁵⁶. Улар фатво ишига яхши эдилар. Марғилон ичида амал ишига ҳеч аралашмасдан мадрасаларда дарс айтиб ётган ва мусулмон замонларида меҳнат билан очликка қаноат қилиб ўқиб, мулло бўлган кишилар, чунончи, домулло Муҳаммад Юсуфхон ва домулло Сўфи махзум, домулло Зиёд охунд, домулло Сулаймонхўжа эшон, домулло Абдулазиз махзум, домулло Мирзо Маҳмудхон махзум, халифа Азиз бобо ўғиллари...

Улардан бошқалари ўрусия дохил бўлганидан бери туғилиб, ўқиб таҳсил қилиб турибдилар. Буларнинг ичинда қандай ҳол ва қандай мартабалик фазилатли муллолар чуқур эканлиги Аллоҳ га маълумдир.

Энди минбаъди (бундан кейин) китоб ўқитиб, илму фазлини имтиҳон тарозисига солиб билиб, кейин қози қилмоқ ёки аъламу муфти ва мударрис қилмоқдек қоидалар қолмадн. Энди китоб ўқиб турган вақтда қараб турадиган қозикалон, шайх ул-ислом, охунд ўринларида ҳозир элликбошилардур. Мударрис сайлаб олиб келмоқ ва ёки имом сайлаб олмоқ тамом [уларнинг] ихтиёрида, аъламу муфти қилиб олмоқ қозининг ихтиёрида. Элликбошилар қандай одамни қози қйлиб оламиз десалар, бу одамни кифоятлик саҳву хатони ажрататурган ва қандай наҳвини билладурган илми йўқ ва ҳам ўзи бепарҳез ва бойларнинг раиясини қилладурган ва камбағалларни ўтга ташлайдурган, камбағал молларини бойга торттирадурган, ғамхўр ва ҳам ҳар ким арзу додга келса, охири ҳар на бор молидан ажраб, балки қарздор бўлиб, охири ташлаб қочирадиганки. “бу одамни зинҳор қозиликка сайламангиз”, деб насиҳат берсангиз ўшандай элликбошилар ичидан бири сизга айтади: “Эй фалони Охун домулло, сиз дуруст билмас экансиз, бу одамнинг илмини кўрганмиз. Масалан, фалон жойда Машрабнинг китобини¹⁵⁷ ё Рустам китобини¹⁵⁸ шундай ўқидики, ҳамма офарин деди. Ҳам ўзи кўп дастурхонлик. Чунончи бизлар борган кунимизда дарҳол дастурхон соладур ва ҳам давлати катта ва пули савдода юради. Ўзи ҳам кўп ошу нонлик, бизларни узатиб билладур ва ҳам бўлак яхши ишлари бўлса керак”, – деб сизни мулзам қилади. Охири шуни сайлаб

оладилар. Бинобарин аксар яхши одамлар қози бўлиб қолмайдур. Илмлари уларни икки оламда муҳофизат қилса керак.

Уч-тўрт йил бўлади. Қубога бир иш билан борсам янги қози бўлибди¹⁵⁹. Аслида ўзи Афғонистон тарафидан келган, Маҳманур [деганнинг] хешларидан. Илгари мусулмон хонлари қўйган исми бор, қозиларнинг хизматларини қилиб юрган бир ғаркўз одам эди. Зиёда шайтонсифат одам эди. Иттифоқан шу одамни Қубога қозиликка сайлабдилар. Мурофияга (маҳкамага) келган хотинларни дурустроғи бўлса, ақли ва икки кўзи андадир. Аммо қозилик даромади кўп экан. Бир одам унга айтибдики: “Шул марғилонлик сизни воқеа қилиб [ёзиб] кетар эмиш”, – деб. Мени Қубодан чиқаргунча эс-хуши кетди ва агарда илму фаросати бўлса, бировнинг сўзига дафъатан ишонмас эди.

Бундан бўлак Қубода яхши уламо ва ухда (удда) сидан чиқадиган одамлар ҳам бор экан. Чунончи, мулло Ризоқул охунд¹⁶⁰ ва мулло Абдулқодир махзум хожи¹⁶¹. Бошқа олиму фозил кишилар ҳам бор экан. Хусусан мулло Абдулқодир махзум шариятни қаттиғ ушлаган киши экан. Илгари қози бўлиб, фуқароларга ҳам подшоларга манзур бўлган киши эди. Таажжубки, бу яхши одамлар қолиб, шул жинни жоҳил қози бўлибди. Бўлак юртларда ҳам ҳар хил яхши пойқадам уламо кишилар бор, валекин элликбошилар билан чиқишмаса бекор экан...

Вафот қилиб кетган уломойи киромий олижаноблардан, чунончи, домулло Муҳаммадамин охунд қози-калон, Абдусаттор охунд қозикалон, Титроқ қози домулло, Сариф раис домулло, Мавлави Жабалий, Ҳасанхожи эшон қози, Ҳусайнхўжа қози, домулло қози Пундус, Бобохўжа эшон шайх ул-ислом охунд, Нусратуллохўжа қози, Абдурахмон охунд Чинак, Ориф Охунд, домулло Муҳаммадамин. Файзи охунд, домулло Абдураззоқ қози, домулло Муҳаммад Даминча қори охунд.

ФАРҒОНА МУЗОФОТИДАГИ МУСУЛМОНЛАРНИ МУҚАДДАМ ЗАМОНДАГИ ҲАЁТЛАРИ ҲАҚИДА

Хўқанд хонларининг вақтида¹⁶² Фарғона аҳли орасида пул оз эди ва нарх арзончилик эди. Ёз фаслида бир ароба ҳандалак икки ярим тангадан то 5 тангагача¹⁶³ ва бир ароба қовун – ўзи урганжий эди, бизнинг чораккоримиз уч ярим тангага сотганини мен биламан. Бир катта саватдаги ўрик уч мирий ва бир танга эди. Бир тангага 40 та чакқа берур. Бу 40 чакқани ҳамёнингизга солиб бозор бориб, то кечгача сарф қилсангиз соф бўлмасдан яна қайтиб келур эдингиз.

Валекин ҳар қайси хон янги тахтга ўтурганида ўз номига янги чакқа (пул) чиқариб, эскисини йиғиштириб олар эди¹⁶⁴. Бир чекса¹⁶⁵ биринж (гуруч) то икки тангагача ва бир чекса тоза ун бир тангадан зиёдрок, тоза писта эллик пайса¹⁶⁶ дан бир танга [гача] ва тоза сариф мавиз то юз пайсагача, қандак ўрик тоза чекса [сини] ва сабзию пиёзни бир пулдан то олти пулгача харид қилиб, зўрға кўтариб кетардингиз. Чойни кам истеъмол қилинар эдик.

Мулк қилмоққа чандон кишиларни ихтиёри йўқ, гоҳи биров мулк олмоқчи бўлса, ўзида тайёр пули бўлмаса, бир жойдан ижарага пул йўқлаб топмоқ қийин, биров мулк сотур бўлса, тезда харидор топиб сотиб пул қилмоққа қийин.

Валекин одамлар охираш ишини илгарироқ қилиб, дунё ишини кечроқ қилур эдилар. Рўзаи моҳи шарифи рамазонда ҳар ким ифтор қилурмоққа рағбати тамом қилур ва икки кун илгари ҳаракатга тушар эди. Ййди қурбонда¹⁶⁷ қурбонлик қилурга кўп ихлос билан қиладилар. Қайси жойда мусофир ёки мулло бўлса, кўп иззат-икром билан бориб айтиб, олиб келиб ўтказиб, катта табақларда ош қўйиб, дуосини олмоқ фикрида [эди], одам азиз, ош хор эди.

Валекин олим ва муллонинг олдида бойлар дунё иши тўғрисида сўзламоққа ҳадлари йўқ эди. Бечора, қашшоқ одамлар оч қоладиган вақтларда, бойлар олдида бориб пул қарз сўраса, топиб берар эдилар ва ё ғалла сўраса, берар эдилар. Агарда вақтида топиб беролмаса, [қарзни] закотиға ушатарди силаи раҳм¹⁶⁸, шафқату мурувват бор эди. Ёшлар қариялар олдида одоб сақлар эдилар, мўйсафидлар ва муллолар иш буюрса. дарҳол қилур эдилар. Сайри боғ ёки ҳандалаку қовун сайрига борилганда, меҳмонларни хурсанд қилиб қайтармоқ мартаба эди. Ёғу гўшт ейдурган одам топилмас эди.

Қачонким Худоёрхоннинг ўрта асрида¹⁶⁹ бир катта қимматлик воқеъ бўлунди, шундан кейин кам-кам мулк қилмоққа одам ҳарис бўлди, бозор нархлари бир хил турмади ва бебаракатчилик бўлди, киши кишига меҳру оқибати, иззату ҳурмати, шафқати тобора қолмади, уламо ва машойихларни, ҳатто, китобу қоғозгача бёътибор қилдилар. [Одамлар] бир-бирига суқ-ҳасад қиладиган, ота болага, бола отага шафқат қилмайдиган, балки бир-бирига игво чиқарадиган, бир-бирини кўролмайдиган кайфиятга тушиб қолдилар. Сўнгра кавокиби думдор (думли юлдуз) чиқди. Андин кейин вабои азим келди, ҳаммани қириб кетди.

Орада саҳл фурсатлар ўтгандан кейин мусулмонларнинг ўз феъли бадлари туғён қилиб, сабаб бўлиб, мундоғ бекбаракот бўлдилар. Тарих 1876 инчи масиҳо йили эди. Хўқанд мулкига ўрус келиб дохил бўлди. [Улар] Марғилон жануб тарафида Сим деган қишлоқнинг ерларини зархарид қилиб (олтинга сотиб олиб), янги шаҳар бино қилдилар ва номини Янги Марғилон деб қўйдилар. Сўнгра Фарғона шаҳарларига ҳар томондан ҳар хил одамлар келиб қўшилди, одам кўпайди, савдогарлар ва дўкондор ҳам кўпайиб ривож топди. Шаҳарларни обод қилмоқ ҳаракатига тушди, ҳар жойларга кўчат қўйдириб дарахтларни кўпайтирдилар. Еғоч ўтин қиммат бўлди. Уни кўриб, ҳамма дарахтни кўп ўтказадирган бўлдилар.

Халқ ўртасида пул кўпайди. Аммо мусулмон подшолари вақтида бешдан бир хирож кўтарар эди ва қирқдан бир закот олур эдилар. Агарда ерларингизга экин зироат қилсангиз, хирмон тепасига келиб қўйган саркорни ўзи ҳозир туруб, ўлчаб ҳисоблаб, ҳақ олар эди. Қирқдан ва ўндан бир кўтариб, боғлардан таноб торттириб ҳақ олур эди, бўлак ҳеч бир нимарса олмас эди. Магар бирор тарафга жанг учун лашкар борадиган бўлганда, “солиғ пули” деб йиғиб олур эди.

Аммо бу ўрусия экин экмаган ерларга ҳам то баҳя полигача таноб тортиб, анинг тепасидан ҳисоблаб [солик] олиб туради. Бозорларда нархлар арзон бўлиб тургани учун фуқаролар подшолик ҳақларини ўз вақтида пул жамлаб беролмасдан кўп қийналдилар. Шул жиҳатдан ерлар тиллодан арзон бўлиб қолди. Ер мулки хорлик даражасигача тушиб қолгандан кейин, урусия унга илож қилмоқнинг фикрига тушиб қолди.

Аммо олдинги вақтда пахта эсмоқ ва пилла тутмоқнинг ривожини йўқ ва ҳам яхши пулга сотмоқни иложу ривожини йўқ эди. [Урусия] Амрико пахтаси уруғидан олиб келиб, деҳқонларга бериб эктирди. Бу Фарғонанинг, хусусан, Марғилон уездидаги ерларнинг маҳсул (ҳосил)лари зиёда баракотлик бўлди. Сўнгра ҳамма деҳқонлар Амрико пахта экурга расм қилиб олдилар. Улар тоза уруғлардан пилла тутадиган бўлдилар. Фарғона музофотидан унган пахталарни ва ҳам пиллаларни атроф музофоти ўрусия савдогарлари кўриб эшитиб, жамланган ақчаларини юбориб, харид қиладиган бўлдилар. Андин сўнг подшолик хазиналик пуллар дафъатан унадирган бўлиб қолди. Ҳам савдогар ва ҳам деҳқон ишлари тараққий қиларди. Юничка ва беда яхши сотиладиган бўлди. Шу учун ҳам мулк ерларининг баҳоси баланд ва қиммат бўлди. Ҳар ким ер сотадиган бўлса, таноблаб сотадиган ва оладиган бўлди. Андин сўнгра подшолик ўлпон жорий қилди, дафтарларга ҳамма дахлу сарфларини ёзиб олиб, ишини осон қилиб олдилар.

Баъд аз он тарихи 1898 йил эдики, Фарғонага вагон, яъни оташароба, темирўл бу ҳангомаларни олиб келди. Бу оташароба келгандан, сўнг Фарғонага ҳар хил ва ҳар ранг ва ҳар дин, миллатдаги одамлар кўп келиб, шаҳарлар одамга тўлди, еру мулкларнинг нархлари неча ҳисса қиммат бўлди. Иморатлар (ни) ранго-ранг, аксари санги мрамор, хишти пухта билан бино бўларди, анча нақшу нигор, гули ҳафтранглар билан зийнат бердилар.

Марғилон уездига тобеъ кўху тоғ ва қирлар остида мрамартош маъданини топиб, осонлик билан олиб келиб ишлатадурган бўлдилар. Тошқўмир маъданини неча жойлардан топдилар ва уста ва мардикор ҳар қанча топа олса, олиб кетадиган бўлдилар. Баъзи вақтларда бечора одамларга уста ва мардикор тегмай ҳам қолди. Бир мардикор бир кунга бир сўм, баъзи вақтда бундан саҳл кам, аммо баъзи подшоликка ёки подшолик иморатига ёки куфес(купец) ва подрядчиклар¹⁷⁰ айтганини олиб кетардилар. Баъзи жойларда то икки сўм, балки ундан ҳам ошуғига олиб келиб ишлатардилар.

Пахта ва пилла баҳоси жуда кўтарилиб, ҳамма ерларга пахта экадиган бўлиб, қора ғалла зироатини экмайдиган бўлдилар. Шу учун атроф мамоликлардан ҳар қанча вагонда ғаллот келса, каппонда бир ҳафта, икки ҳафтадан ўтмасдан туриб, ҳаммаси сотилиб кетар ва соф (тамом) бўлар эди. Лекин одамларни кўплигидан ҳар қанча ғалла келгани билан асло арзончилик бўлишига ақл унамайди. Ҳар кунда ҳар бир миёна рўзғорга бир сум ва катта рўзғорга бир ярим сўм, кичик рўзғорга ярим сўм етмайди. Бойда ҳам фойда ва манфаат кам ва шу важҳдан фуқаро қийналгандир.

Оташароба бойлар ишига ривож ва камбағалларга зарар етказиб турибди, нарх қиммат бўлиб турганлиги, ўзгармай кўпдан бир минвол (ҳолат)да келиб таомил бўлиб қолди, деб халойиқ сўзлашади. Чунончи, шу ҳозирда гуручнинг бир килоси уч танга¹⁷¹. Илоҳо бундан ҳам қимматчилик қилмайсан ва мўминлар дуосини ижобат қилгайсан, омин!

ОЛТИАРИҚ ВА ЧИМЁН ОРАЛИҒИДА ТОПИЛГАН ЕР ЁҒИ ВА ОБОДИ ХУСУСИДА

Урусия Фарғона мамоликни олгандан кейин тарих 1875 инчи масиҳо йилида ўрус дўхтири тўра¹⁷² Олти-ариқ билан Чимён орасидаги даштни ва қир тепаларини айланиб кўриб, бир жойдан аз рўйи тажриба ёғ борлиги аломатини топибди. Ўшал жойни очган экан ер остида неча қабат арчадан қилинган зинапоялар намоён бўлиб чиқибди.

Уша зинани кўрган йигитнинг ўзи шундай баён қилдики: “Бу арчадан қилган зинани кўриб ниҳоят таажжуб қилдик. Бунга ҳар қандай одам таажжуб бино қилолмаса керак. Зоҳиран бурун замонда ўтган подшолар шундай ёғларни излаб, шу жойдан топиб, ер остига зинапоя қилиб, ёғ олиб чиққан эканлиги маълум бўлди. Чунончи кўрган одамларга муважжиби таҳсин (таҳсин, мақтовга лойиқ) ва сабаби ҳайрат бўлди”, – деб.

Уша маъдани равған (нефть)ни топган дўхтир тўра неча йилгача ўшандан жойларга усто ва мардикор солиб ишлатиб, [кейин] вафот қилиб кетти. Бу зорлар қараб қолдилар. Қачонким вагон келди, ул маъдан жойларга машина ва усталар олдириб келиб, фаранг уста [лар] корхоналар бино қилиб¹⁷³, охири хазина бўлди. Неча хазинани бири бўлиб, тобора обод бўлиб, Олтиариқ ва Чимён шаҳри азим бўлди...

МУСАННИФ (МУАЛЛИФ)НИНГ БУ ДУНЁДА КУРГАН РОҲАТИ ВА ХАЛОЙИҚДАН ТОРТГАН АЗОБИ, МУНОФИҚЛАРНИНГ ИҒВОСИДАН АЛАМДИЙДА, ДИЛИ МАЖРУҲ БЎЛГАНИНИ, МУЛКУ МОЛИДАН АЖРАГАНИНИ БАЁНИ

Бу китобни тасниф қилгувчи камина дуоғўй, асли Марғилон боласи бўлурман. Мани отам ва етти боболарим асли марғилонийасл бўлар эканлар. Ҳазрати Офоқим¹⁷⁴ га ҳаммалари муриди мухлис келган ва ҳаммалари дарвешсифат, бечоралик либосида фақиру ҳақир келган ва ўзим мадрасада овони таҳсил вақтимда, кашшоқлик билан ўтиб турган вақтимда ўрусия келиб қолди. Домулло Ҳусайнхўжа эшон қозикалони марҳумнинг улуғ мозорларида ризқи қалам воситаси билан тарбия топмоғимга башорат бўлинган экан.

Дафъаи аввалги қўйган ҳокимни Бекчурин дер эдилар. Шуҳоким ўзи [мани] уезд маҳкамасига [ишга] олиб кириб қўйди. Ондин бошлаб интиҳоси (ниҳояси) подполковник Ирдануфски (Рудановскнй) деган ҳокимнинг асригача қалам билан хизмат қилиб турдим. Жами 27 йил хизмат қилган эканман. Бўлак мирзо йўқ, ўзим танҳо хизмат қилиб турдим.

Янги олган мамлакат учун хизмат жуда кўп. Ҳамиша кундузи иш қиламан то кечгача ва кечаси уйимга қоғозларимни олиб келиб жунбиш қиламан то улуғ саҳаргача. Шу минволда аз рўйи ғайрат иш қилар эдим. Ҳар куни ёзган хатларим бир китоб бўлар эди. Шу тарика юриб ҳар куни эрта билан Эски Марғилондан Янги Марғилон[га] маҳкамага келаман ва кечқурун яна Эски Марғилонга уйимга қайтаман. Таомимни уйда ейман.

Шу кайфиятда юриб ўзимдан беҳабар эканман, охири дардманд бўлиб қолдим. Кўзларим хира бўлди, ойна ушлаб хизмат қиладиган бўлдим. Овқату манфаат кам эди, ложарам (иложсизликдан) ариза ёзиб авқотга сарф қилар эдим. Бўлак унадургон жой ва сурат йўқ эди. Аммо бева бечораларга кўп ёрдам берар эдим. Шу хилқатдан хизматдаги амалдор тоифаси манга душман ва хасм эди. Ноибларга мани кўп шукуҳ ва салб [билан] тухмат қилар эдилар. Аммо ўзим тўғри ва рост турур эдим. Ҳар бири мени ҳеч нимарса қилолмас эди. Хусусан, бир ноибтўра областной маҳкамада туриб хизмат қилди¹⁷⁵. Лекин ўзи кўп чақимчи чўғол эди, менга кўп қасдланиб юрар эди.

Яна биттаси бор эди¹⁷⁶. [У] Муҳаммадолим кўрбошига чаққан экан. Бу бекор сўз эди.

Яна бир маҳкаманинг мирзобошиси бор эди. Ҳамиша вазифамни бермасдан ёлғон-ёлғон баҳоналарни қилиб юрар эди. Ростки шу тўра устидан ҳокимга арз қилган эдим. Бу тўра билан уч киши бўлиб менга қасдландилар. Ҳаммаси беҳуда қасд қилдилар, айб ўзларида эди. Ман уларнинг аҳволларига таажжуб қилар эдим.

Яна шулки, мусулмон аҳли қаламларидан ва ҳам калонзодаларидан душманларим жуда кўп эди. Ҳамда ўз отаси ва ҳам халойиқлар бу мирзода дунё жуда кўп, деб сўзлашиб юрардилар. Шу сукуҳасаднинг кўплигидан ҳар йилда отларим ва фарзандларим кўп ўлиб турар эди. Аммо ҳеч бир одамга мани зарарим тегмас эди, балки ҳамиша хоҳ хизматдаги одам бўлсин, хоҳ бўлак ҳаммасига қўлимдан келган хизмату ёрдамим ва яхшилиқни дариғ тутмас эдим. Лекин эшигимга одам ва меҳмон жамлаб ўтирмас эдим, тартиб ва таклифга асло тобим йўқ эди ва ҳам ёлғон сўзларга ҳам тобим йўқроқ эди.

Фарзандларимнинг ҳаммасинн тўйини ўтказиб келган вақтимда, яъни мазкур Рудановский охириги асрида мазкур менга ҳамиша ёмонлик қилиб юрган ва далага мироббоши бўлиб чиққан вақтимда бекор қилган Каретуф деган келиб, яна Марғилонга Наманган ҳокими бўлиб қайтиб келди. Катта ноиб бўлиб, Марғилон уезди маҳкамасида ўтириб, иш қиладиган бўлди. Орқасидан ўринталаб мирзоси ҳам бор эди ва ҳам эски таржимонлари ўлиб кетиб, ўрнига ёш қозоқ болаларн келиб ўтирди¹⁷⁷. Маҳкаманинг янги мирзобошиси – яна бир ўрус боласи бу Каретуф ноибни менга муҳолиф эканлигини билиб қолдилар. Каретуфни ўзларидан миннатдор қилмоқ учун ниятларини бузиб хоҳласаларким, менга бир тухмати азимни қилсалар. Шундай вақтда: “Тўйларимда кўп узунроқ юриб

келсам, мани ўрнимга бошқа одамни олиб хизмат қилдириб турсангиз”, – деб жавоб сўраб хат ёзиб қўйиб уйимга келдим.

Янги Марғилонда Томич ҳоким ёрдами билан орттирган эшигим (ҳовлим) бор эди. Сотиб келдим. Ижарада турган ўруслардан пул олишга жуда қийналиб эдим ва уйнинг пулини тўйларимга сарф қилдим, етмади. Бир қарич ерим бор эди, уни ҳам сотиб сарф қилдим. Рудановский ҳокимга Каретуф мани сотибдур. Фельу хўйи дағалроғ бир ўрус эди. Каретуф ва ҳам мазкур янги мирзобоши сўзларига эътиқод қилибди. Ҳар қандай ҳайвон бўлганда ҳам айтур эди: “Бу одам ҳеч бир ёмон ишни қилмоғон бўлса, шунча узоқ йиллардан бери бир минволда хизмат қилиб келаётган одам бўлса, ўрусга ёмон ишни қилмаган, ҳам [ҳозир] ўзи йўқ, жавоб сўраган бўлса, ойлик таъма қилмаган бўлса, қандай бир бегуноҳ одамни ва ўзини чақириб сўз сўрамасдан ўрнидан бекор қиламан?” Албатта, дафтарига бир сабаб айтиб ёзиб, сўнгра бекор қилгандир ва мани ёмон ишда кўрмасдан ва ҳужжат қилмасдан нечук маъзул қиладур? Ўрусия ўз замонида бир қарор [да] турмаслигини шундан билдук!

Бу ҳоким шундай қиламан деб маълум қилганда, анинг тепасида турган губернатори ҳам манъ қилурга ақлу зехни етмас экан ва таажжубдурким бир бегуноҳ одамни айбдор қилганидан [жоҳилликларини] билдук. Бу халқда инсоф ва силаи раҳму шафқат бўлмас экан! Хоҳласа, ҳар қандай муҳолифи закун (қонун) бўладиган ишни таваққуфсиз (тезда, ўйламасдан) қилар эканлигини билдук. Халойиқи сартия ичинда ҳеч ким мисли мандек (27 йил) хизмат қилган эмас. Қувват кетиб, кўз хира бўлгандан ё вазифа бермасдан, ёки бир бўлак муносиб хизмат топиб бермасдан бекор қилгани одам боласига нописанд бўлгандир. Ҳамма таажжубда экан.

Аммо ўз ўрусига бундай қилмайди, нисфи (ярим) вазифа тайин қилади. Катта бир подшонинг шуқуҳи салтанати пастга ёзгани бўлди. Ҳаммадан ҳам мана бу иши жуда ёмон бўлди. Мани бечора беиқбол ҳеч ишим ва овқатим йўқ бекор энди ётибман.

Мазкур мирзобоши Эски Марғилонга пристав бўлиб тушган вақтларда хоҳ бозорда, хоҳ бўлак бир жойда мени курса, дафъатан: “Мирзо эмди [шикоят] ҳам ёзмайсиз, асло ҳам ёзмассиз”, – деб [айтади.] Ҳатто, уйимга тилмочни юбориб маълум қилдики, “асло хат ёзмасин”. Бузрукхўжа қозига бориб таомил қилиб, сабаби овқат бўлсун, деб борай десам, пристав секин [қозини] чақириб: “Асло аралашманг! Ҳокимни ҳурмати даркор”, – деб мани айбдору гуноҳкор, қилиб кўрсатибди.

Бўлак замона қозилари олдига бориб, баъзи таомилларига аралашиб тураин ва қалам ишини ташламайин десам, аввалан ўз кадрдонларим мандан тониб инкор қилдилар. Вазлари шулки, “Мулло Бузрукхўжа қозига [пристав] шундай деб айтгандур”, деб кўрқиб, мулоҳазага бориб қолдилар. Яна шундай хаёли фосидга бордиларким, “бизнинг сиру аҳволларимиздан, воқиф бўлиб, сўнгра ўрусга билдиради”, деб. Шу Бузрукхўжа билан нобакор пристав ҳикояси уларга баҳона бўлди¹⁷⁸. Бузрукхўжа [ни] нобакор деб биздан кўрқитар, ваҳоланки аслида дарду аламлари бор эди. Шу Бузрукхўжа билан нобакор пристав ҳикояси аларга баҳона бўлди-ю, лекин бу қозиларнинг қилган беўй, беандишалари олдингидек аҳли қаламларга катта васли баҳона топилиб, балки қозига фитна солиб, оғу ичируб, кўрқитуб турадургон бўлдилар. Ва шундай ялпи шаҳсуратлар халойиқ аввом уннос ўртасида “мирзони ўрусия ҳеч ишга аралаштурмасин” дейдур. Шунинг учун қозилар иш қилдиларким, гўё ўз ватан жойимда тинч ўтира олмасдан, тахти ватанимни сотиб, қишлоққа чиқиб кетадургон ҳаракатга тушуб қолдим. Мусулмон бўлсангиз, бундай ўйлангизлар, бир марди бечора, аҳли қалам мулозимни ҳақиқа шундай тухмат сўзларини нисбат берарму? Худодан кўрқмоқ лозим эмасму?!

Ваҳоланки, аслида ўз мусулмонларим мени кўролмасдан, ўтирғоним ўрнида беҳуда иғво чиқариб, маломат қилиб ва ўрусларга чакдилар. Турмоққа тоқатим келмасдан жавоб сўраб келиб, баъзи тўйларимни қилиб турдим. Каретуф яна бир-икки ўрус қозоқ ва сартлар аралаш мени кўролмасдан, ўтирғон ўрнимдан беҳуда иғво чиқардилар ва катта ўрус ҳокимга чакдилар. Сўнгра бу пристав келиб, “юр” деб шаҳар ичинда ҳам қўймасдан афсонасўз таълим саволу жавоб муқаррар қилиб юрди. Ва ҳам ўрусияни хусусида бу мирзо тайин сўзларни айтмасун, деган ўй-андиша хаёли фасодларни қилиб, бўхтон сўзларни Эски Марғилонда чиқариб юрди. Буни ғаразини ўзим биламан, аммо биз мусулмон халқи кўп замон андишали бўламиз ва бу қозилар ўйламайдурларким, “эхтиётлик билан бегона одамларни аралаштирмасдан хизмат қилиб, ўрусияга ва халойиққа мазмун бермасдан махфий иш тутсак, қозилик давлатидан тушмасдан бир минволда кетамиз”, деб.

Ваҳоланки, нон насибаларимиз узулса, аввало, яхши тарбият қилиб, қўлига яхши иш берган давлатҳоқ иймонингиз ва унга қариндош, жигар меҳрибонингизни ўзи сабаб бўлиб, қозиликдан қолибсиз ва юз минг хазина жамъ қилсангиз ҳам сизга вафо қилмасдан ва бўлак душманларингизга насиба бўладур. Боз қашшоқ ва қашшоқу муҳтожмиз ва балки то ўлгунча хормиз, чунки [ризқимизга] бева-бечорани норози қилиб олган пуллар аралашадур. Андоғ жамъ бўлинган молу мулк ва ё солган иморат сизга вафо қилмайдур ёки улар авлодингизга қолуб, аларни қўлида бевафолигини кўрсатадур

ва ёки якбораги ажал келиб ва бир саотга муҳлат бермасдан шундай моллардан сарф этиб, ўзингизга кут қилиб ибодат қиламан десангиз, ҳеч баҳра олмасдан ниҳояти қошифи жин бўлиб қоласиз. Ва лоақали кашфи арвоҳ мартабасини тополмайсиз. Ва ёки андоғ пулни еб, таҳсилу улуш қилсангиз, охири тарки хато ёзадургон қозийи замона бўласиз ёки олам муфтийси бўласиз. Чунончи Хўжажон қори шундай қозилик қилиб юрган маҳалда жаҳрия (баланд овозли) зикр соладургон сўфи бўлиб, ҳар жойда жаҳрия суҳбат қурилса, бориб хўб зикру самоға тушуб ва руҳлари осмонга ружу қилгандек кўриниб, оҳ ва афғонлари чархи кабудга чиқиб йиғлаб ва беихтиёр бўлган халифалардек бўлиб кўриниб ва авоми гўл ихтиёри ун-нослар: “Қозимизга раҳмат, қози деган шул кишидек Худо тарафидин баҳра олса”, – деб баъзилар ихлос қилиб юрдилар. Охири қозиликдан бекор бўлиб, ҳам сўфилик ишларини мавқуф қўйиб ва қайтиб жаҳру самоға тушмоғидин маълум бўладики, лоақал мартабаи кашфи шаётин ҳам бўлолмаган эканлар. Ниҳоят, Мингтепадан бемаҳал хуруж қилган Муҳаммадали халифани салбномасини тасниф қилиб, яъни [ярим] подшоҳ Фарғонага келганда мазкур таснифларни топшируб эканлар ва Кишвойский¹⁷⁹ деган ўрус ошналари ёрдами билан бой қози бўлдилар. Золимлар зулми қачонгача?

Шоҳмазор тепасида бир куфес(купец) вафот қилганида ва андан нафар ўғуллари ва қизлари, хотунлари ворис қолиб ва андан қолган нақдина ва мулк ашёларини Мулло Хўжажонхўжа қози иккаласи катта ўғулларига тўрт тирдан¹⁸⁰ ва кичик – кейинчалик олган хотунидан туғилган икки кичик сағира ўғулларига икки тирдан қисмат қилиб беруб, буни номини “қисмати саҳиҳа”¹⁸¹ от қўйиб рапорт-хукмнома дафтарига ёзган эканлар. Ва мазкур сағирлар бобоси Хўжажонхўжага: “Бу қисматни бошқа буздуруб ва балки шариатимиздаги қисматни қилдируб берингиз”, – деб арз қилган вақтда: “Мен қараб кўриб ўтириб эдим, сенинг қизинг кейинги олган Исматуллабойнинг хотуни. Сен ким бўлғайсан? Қизинг бир парча ерга зор ва бир юз сўм деган пулни бу дунёда қўлига ушламаган эрди. Хоҳлаганча барча мулк ва ашё, минг сўм пулни қизинг билан сағир набираларинга олиб қисмат қилиб бердук, Худога шукур қилиб еб ётмайсанми сен?” – деганлар. Хўжажонхўжа қозини бу сўзларига таажжуб қилиб ўтирдим ва ҳам боз дерларким, “шунинг учун бўлак бошқа хотун олгум йўқ, чунки мабодо ўғил туғса, илгариги икки кўрган ўғилларим билан меросни баробар оладурму?” – деб айтган жавоби учун кўп афсус ердим. Ҳам бу Хўжажон қозини қаттиғ сўфиликка дам беруб, катта даҳага ухлатиб қўйган чиқадур. Мазкур одам (сағирларнинг бобоси) хилофи шаръ қисмати (шариатга қарши бўлиниш) тўғрисида ҳокимга ариза берди ва олтинчи аризасини бергандан сўнгра бош ҳоким: “Қозилар сейизди (сьезди)¹⁸² бошқадан қисмати саҳиҳа қилиб беруб, оқибатини менга билдурсунлар”, – дебон қатъий фармон қилди.

Сейизд қозилари ичинда Мулло Музаффархон қози боинсоф эрди. Шул мулло Шоҳбобо Умар билан Мулло Хўжажон қозини қилган қисмати шаръиясини бузиб синдуруб, фак-фак қилиб отиб ташладилар. Бир ўқ Мулло Шоҳбобо пешонасига ва бир ўқ Мулло Хўжажон пешонасига бориб тегди.

Ажиб таажжуб ишдурким, бу ҳодиса қатъий ишни, аввало, ҳоким ва губернатор кўруб билуб ва элликбоши деган зоти шарифлар ва инобатлик бой кишилар кўриб ва эшитиб туриб ва сайлов бошланиб турганда ва ёки сайлов хати губернатор ҳокимнинг қўлига етган вақтда, “ўқуб ва бу Хўжажон ва Мулло Шоҳбобони. ҳам инобатга олмасдан ташлаб қўяр”, деб ўйлар эрдук. Ва андоғ ҳам қози қилдилар!

Агарда сайловномада мени номим чиқиб қолса эди, маҳкамадаги муташариъи (шариатни билтувчи) муҳаққиқу (ҳақиқат қилувчи) мураққиқ (мирзо)лари Каретуф ва Кишвойский хотирасидан ва военный губернатор ва ҳокимни ёдига ноқил [хабарчи] солиб манъ қилур эрдилар. Ба иқбол турган экан, боз қози бўлди ва мазкур ворисни аризасини менга келиб ёздуруб кетуб эрди, хоҳлаганча мен аларга гуноҳқордурмен. Ва менга алар қачон бева-бечораларга ўз бошида аҳли уламодан ё қозисидан бир алам ва зулм ўтган вақтда мени олдимга йиғлаб келур эрдиларким, “аризани биайъниҳ [аслида қандай бўлса] асло қолдирмасдан ёзиб берасиз”, деб ва мен кўз ёшига раҳмим келуб, аризасини савоби ақида қилиб, асли бўлғонларнинг ҳар на айтган сўзини ёзиб берур эрдим.

Валекин баъзи қаттиғ сўзлари бўладур, агарда, шу айтгандек қилиб ёзиб берсам, иккала тараф ҳам терговга тушиб қоладур. Онинг дафъи учун иштибоҳли иборатга келтируб ва ҳам ўзини муҳр қилиб қабул қилса, шундай қилиб ёзиб бераман. Ваҳоланки мадҳи олия манфаатини қилиб ёзиб бераман. Аммо бир ҳарфини ошиқ қилмасдан ёзиб, боз ўзига хўб ўқуб тушун-тириб, сўнгра ёзувга қўл қўйдираман. Бовужуди мадҳи олия мендан норози ва хусумат билан юрадур. Агарда бўлак киши-ёзиб берса, [улар] дарҳол терговга гирифтор бўлиб қоладур. Бу ҳақда ўйламадилар.

Агарда бўлак касб умид овқатим бор бўлса эрди, ҳаргиз шул аризани ёзмас эрдим, чунки аксар илмдор ва қози шу важҳдан менга хусум[ат]дор ва душман бўладурлар. Бу катта бузруклар мендан

хафа бўлганлари хатодур ва албатта, мендан бошқа одам топиб ёздириб кетадур. Балки зарарлик ариза ёзиб берадур ва шунча ҳокимлар тадқиқу ҳақиқат қилмасдан айбдор қилмайдур ва ҳукм ёзиб берган одамда нима гуноҳ бўлар ва хафа бўлганлари бекордур?!

Яна шулки, ўшал Кишвойский билан Каретуф тўра менга қилган асл хусуматларини баён қилиб: “Бизларни устимиздан ариза ёзиб берибсан”, – деб ентилаб, аксари катталарга мени ёмонлаб юриб, охири мени хунук қилиб кўрсатдилар. Мени аларга чақиб ёмон қилган Муҳаммадолим кўрбоши билан ва они олдиндаги мирзосига айтдилар, ваҳоланки ноибларни тефасидан асло ариза ёзгоним йўқ эрди. Қуруқ тухмат эрди ва Бузрукхўжа қози ҳам шул тўғрида хусуматдор бўлдилар ва ўз феъли бадларидан ёмон чакки ишларидан ариза тушадур.

Менда ҳеч гуноҳ йўқ эди ва азбаройи хусуматларини кўплигидан мени айбдор қилиб кўрсатуб, хусумат қилиб турадурлар. Бу мусулмон амалдорлардан бошқа амалдор қозилар бўлса эрди: “Мулло Азизни бола-чақаси бор ва бир аҳли қаламдур, бизлар билан қозилик талашмайдур, бориб айтиб кел, тановул қилиб сабаби овқат қилсун, бекор уйда ётиб қолди”, – деб хабар бериб, чақириб олдуруб ишга бошласа ва ҳамма ақл қилмасдан зиёдароқ изҳори давлатхоҳлик қилур эрдим ва ҳеч бир ёмон ишни қилмас эрдим ва ўрусияга чакмас эрдим ва балки кейин-менга ўрганиб қолур эрдилар. Хиёнат қилиб ишлаш менга ҳаром эрди ва савоб топур эрдим ва мусулмон халқини хўб кўрдим.

Хусусан, Хўжа халқи давлат кўрса, кўзлари кўб тор бўлар эканлар ва Қосимжон қози менга хусуматдор бўлиб ва ҳақимга кўб жабрларни ва [ёмон] ишларни қилди ва қилган ишларидан тонолмаюр. Укаси Умархон иккаласини нафси жуда ўткир эрди ва гувоҳлари билан кўшиб бир ариза ёзиб кўйдим, қачонки ярим-подшоҳ генерал келсалар дарҳол боруб ушларман: “Ҳақиқат қилиб кўрсинлар, жамоа халқ бор, онлардан ҳам шул одамни сўрангиз, қандай одам экан билсинлар”, – деб.

Эй, мусулмонларим! Билиб огоҳ бўлингизлар, ўрусия халқи ўз халқига агар жиндай бир-бирига душман бўлса ҳам, бола-чақаларига раҳм қилиб турар эканлар. Агарда бир айблик бўладургон бўлса ва “буни-хотун-болаларини ким боқадур?” деб закун айлаб, ўргатуб турар экан. Ва айтар экан: “Оч қолиб мусулмонларнинг олдига борадурларму? Бекор бўлса, бола-чақаси оч қоладур”, – деб, “аввало, бошлаб катта улуғлари қарз берсин”, – деб ўргатиб турадур. Ва хилоф мусулмонларимиз: “Оч қолсун, тамошосини кўрайлик”, – деб турадурлар. Масалан, мени оч ва тўқ турганимни уч-тўрт нафар одамлар бор, ҳамиша аҳволимга нозирдурлар. Балки уйда тинч қолмоққа розилари йўқдур ва хусусан, Қосимжон [қози] мени хафа қилмоққа пайваста тараддудга тушиб туради. Бу давлат беш-олти кунликка синовдур. Бу ўрусия ҳеч кимга вафо қилмас экан, агарда қилса сартия ичинда менга қилур эди!

Эй, мусулмонлар, феълу хулқи жуда ёмон бўлган ҳар ким уялмайдур, баъзи одам уяладур. Шул замоннинг отаси ва боласи ўртасидаги шафқатни, улар ичиндаги меҳр-оқибатни қандай бўлганликни ҳар ким ўйламайдур, билган биладур. Аввало, мисли хўкиз ўтиб турадур ва халойиқ афъолидан жуда кўрқадурган бўлиб, кечалари уйку кўзига илинмас.

Эй, азизлар! Шул вақтларда, хусусан, Марғилон ичинда беш-олти нафар янги дунё топган одамлар бино бўлубдирлар, кўлларинда тасбеҳлари бор, аммо оғзиларида салом ва алик йўқдур. Номлари анқариб (яқинда) баён топилур.

Эй, мусулмонлар! Шул вақтда бир хил одамлар чиқибдурлар, юриш ва рафторлари мисли семиз бойларни равишлари ва қорнини чиқариб қўл ташлаб, ўз камоли билан зеб-зийнат кўчасида қандай-қандай, кишилар ўтирибдур, асло хабарн йўқ. Ўз камоли киборидан, бечора одамларни қилган саломини эшитмайдурлар, ғофилдурлар, номлари анқариб баён топилур.

Эй, хушёр аҳли ҳарислару мазмун қариндошларим. Бир хил нокаслар чиқибдурлар уламо, аҳли силоҳ, фозилу доноларга мақбул келмаганларида ўтирғон бўлса, ўрунларидан турмасликка қарор чиқарибдурлар. Эй, биродарларим, беш-ўн нафар одамларни ичинда бир хил амру маъруфлик, китоби мўътабарларни очуб ўқиган вақтда, қулоқ солмасдан ирғиб ўрнидан туриб кетадурлар, ақалли бирортаси ҳам қолмайдурлар, ҳаммадан бу ажойиброқ “баёни афъол аз ҳол ранг бари” – “феълини аҳволидан билгайсан”.

Эй, ёрон, ушбу вақтда шундай ёшлар чиқибдурларким, уламоларни кўрганларида ақалли бирортаси мусулмончилик ва намоз, рўза, нияти ғусл ва оби таҳорат [ҳақида] сўрай ва билайин демайдур. Катта мўйсафидларни кўрган вақтида, “эй бобой, ҳей бобой” деб таҳқир қиладурлар. Бу афъоллари (феъллари) охир қаттиқ даражага келтирур экан деб кўрқамиз. Дуонгизда ёд қилингизлар, парвардигорим ўзи роҳи ростина (тўғри йўл)га солсун!

Эй, мусулмон мўминларим! Агарда фарзанд кўрсангизлар, зинҳор-зинҳор эрка қилиб катта қилмасдан, ҳар дақиқа урушиб туриб, одоб ўргатгайсизлар ва дарҳол ёшлиқда мактабхонага етказуб топшируб, илму таълим берингизлар, одобни ҳам кўшиб таълим берингизлар. Ва ҳам эски ва хунук либосга ўргатингизлар. Шу одоби билан мусулмон фарзини кўшиб таълим берингизлар. Шундай

чиққандан сўнгра илми кироатга солуб, “Ҳафтияк” ва Каломи Рабоний қилгизингузлар. Қари бўлган ҳолда дунё давлати дарҳол келиб хизмат қиладур экан, буни билгандан кейин маҳалида ўзи қут (ризқ) топадур ва ҳам отага, онага дарҳол манфаат ета қолур экан. Юқори мартабада бўлмагон суратда ҳам лоақали бир яхши масжидга имом бўладур, ўз қуввати билан. Давлати адоғ бўлмайдурган, сўнгра дарс ўқуб мулло ҳам бўлиб оладур. Дарсга зиёда фаҳмлилик бўладур. Агарда дарсга бераман десангиз, дарсидан ривож олса хўб. Икки дунёда азиз бўлсун десангиз, мисли шундай қилингиз. Агарда “тезда овқат ва пул топадурғон қиламан” деб, бўлак хаёлга борсангиз, охири хафа бўласизким, доно бошидан ўтказган донодур. Мана шул насихатларимни сақлаб фаҳм қилгайсиз. Ниҳоят, бўлак сўзлар ва далилу тафсилотлар бор эрди. Мухтасар таҳрир қилинди.

Лекин ёронларим! Доно ва тавоноларим! Сиз ҳабиб мўъминзодаларимга арзи хайрат чунон қиламанким, мени дуо қилинглр. Аз қадим ул-айём болалиқдан кўб беиқбол киши эрдим ва ҳар кимга яхшилиқ қилсам охири менга ёмонлик қайтадур. Хусумат[лари] нима яхши била олмайдурмен.

Валекин беиқболлигимдан шаъма изҳорин қилсам шулки, бир кун иқболим шаштидан ўрмалаб чиқиб энди томнинг бошига чиққан вақтда, иттифоқо ўшал ҳолда, кўҳи Қофда қасам ичган учун қувғин еб айбдор бўлиб қочиб келиб, шу томонда қарор олган қора юзли кофир дев ўз нафсининг бутоғига осуб қўйилган амадчаси билан бечора иқболимни бурнига чунон фукка(ияк) бурун [аралашига] урубдурким, нобакорни қаҳру зарби билан урган бу ғариб иқболимни қачонким шотидан ерга йиқилиб тушгандан кейин тепасига бориб қарасам қизил[қон], ҳар қайсимиз ўз аҳволимизни айтишуб камтар йиғлашдук.

Ва шул соатда марғилонлик Мулло Раҳимбобобекни, Кечбой Муслим, Мулло Абдуллоҳ, Раҳмон Довдали деган чуғол (чақимчи)лар қозилиқдан бекор бўлиб ётиб қолган. Мулло Исҳоққа боруб, бу иқболимдан шиква қилибдурлар. Иккинчи боз (яна) шул Кишвойский билан Мулло Шоҳбобо ва Каретуф улар исмига ва мазкур пристуф бу Мулло Бузрукхўжа ҳам Мулло Муҳаммадқуб қори деган киши билан узатамиз. Яна Ёқубдек зот сифат кишилар бор, бу ноҳудо [худобеҳабар]лар бу тарафдан бир макр қилган ва аслида Кишвойский оқсочлик хизматини қилиб юрган ондан нола қолган сочлари бир даража оқариб, охири бир малла рангда кўринган ҳақиқий мажнун девона бўлар, Мулло Қосимжонга бориб салиб қилиб хабар берур. Шиква оғоз қилганларидан кейин назари худ олов худолар келиб, андоғ фукка бурун урдиларким, камоли зарбларининг таассуротидан то қон чиққунча дам қилиб кетган. Сўнгра раҳмим келиб боз шул қабила одамларни кўзларига кўринсанг яна урадилар, зийрак бу одамларни ҳаммасини хўб биламан. Бу одамларни ҳаммаси илм ўқуб маърифати олийдан анча манфаат тегадургон бўлса, андоғ одамни “мусулмони хуб” деб айтадурлар ва “ҳамма дунёсини сарф этса, охиратни ҳам топадур” деб айтадурлар, савобга эҳтиёжлари йўққа ўхшайдурлар.

Энди йўқ иқболимни бор иқболим [дебон] “мумкин бўлунса, тоғу даштларга чиқиб кет иқболим”, деб насихати балиғ қилиб, саҳрога чиқариб юбордум. Қобил эди чиқиб кетди.

Дарвоқе, ҳоким Янги Марғилонга ҳосиди хасм шиори (душманликни шиор қилган ҳасадчи) қози қилмоқга областной маҳкамага рапорт бериб турган маҳалда, ҳосиди хасм шиори мазкурларни манъликга етқурдилар. Ва чунончи ундан муқаддам вақтларида марҳум пирим руҳлари келиб машҳур хонақосида ўтирғон вақтимда, садри синаларимга (кўкрақларимга) муборак қўлларини тикиб “урён бўл, холи бўл, маҳвари (қалб)ни ташла ва либоси фаҳрни ўзинга дарҳол ол” деб каромат илтифот. қилодурлар. Иккинчи бор саҳар вақтинда у ўз хилватхоналарида тўда жин инида: “Урён бўл, холи бўл ва либоси шайтонини ташла, либоси фаҳрини дарҳол ол”, – деб лаҳза қироат қилдилар. Энди ўйлаб курсам, ўрусия ҳукуматини ташлаганим ва боз қайтиб дохил бўлганим ва монанд шундай хизматларимга дахил бўлғонимни ихтиёри менда ва бўлак бандасини ихтиёрида эмас экан, энди билдим.

Лекин ўқиғон ёронларга камтар бўлсун деб мақбул таҳрир қилдим, шояд дуоларида ёд қилгай эдилар деб, умидвор бўламан. Чунки дуоғўй мен ғарибнинг ҳимматини жуда юқори мартабага чиқаради.

Бир танга ва икки танга ва кўб от ва мол ҳам манзур бўлса, менга писанда эмас, анинг учун кўлимга чандон-чандон катта пуллар тушди. Ижарага бериб тураман. Қасд қилмадим ва маърифат қилиб турганим халойиққа маълумдур. Лекин ҳар киши шул дунё учун фаҳр қиладур, [мен] давлату ҳукуматимга ва ҳам ўз суратимга фаҳр қилмаганим бу оламга маълум. Ҳазратн рисолат паноҳ Расулulloҳим[нинг] фаҳри бўлди. Ҳазрати Абулбашар фаҳр қилиб: “Менинг умматларим бир-бирларига дучор қилгонларида мисли шукр сўзлашиб, меҳрибон бўлиб, салому синоатларингизни қилингизлар”, – деганлар. Мутақаббирлик қилиб айримлар на салом берадур ва на салом қилсангиз алик оладур. Андоғ одамларни кўрганимда, олдиндан мутақаббирчилик бурчимни қилиб ўтаман.

Бинобарин, бу хунук тасаввуримни бўлакча зиёда хунук қилиб ўтаман. Ўшандай одамни менга ўзи, ҳукумати ва давлати нописанддур, агар жиндай ўзим камбаخت бўлсам ҳам, боз улуғ мартабали дониш ва ҳақиқий тарафга кўнгуллари майл тақсирларимга музаффар қилмасдан арз қилайин [дейман].

Качонки ўрусия хизматидан чиқиб, уйимга келиб ўтирганимдан кейин, бир кун саҳар вақтинда сандалда ўтируб кўзим андак уйқуга борган экан. Шу маҳалда марҳум домулло Бузрукхон қози пирим муборак бошларида оқ амома (салла)и шариф ва орқаларида толиб ул-илм жуда кўб ва шул пиримни ёнларида бир улуғ зот бордур, муборак бошларида улуғ амома валекин ҳамиша шариф аҳволлари пўшида (ёпик)дур. Шижоат қилиб яқинларига боролмадим. Толиб ул-илмларни оралиғига бориб кўшулдим, пирим кўб иззат қилиб турибдурлар. Шу толиб ул-илмлардан сўрадим: “Бу зоти шариф аҳволлари пўшида кўринадур, ким бўлар экан?” – деб. Дедиларким: “Ҳазрат Али ибн Абутолиб бўладурлар”¹⁸³. Шу ҳолда ҳаммалари таҳорати жаид қилиб олдилар. Пирим муборак Исо, Мусоларни важҳидин миқдорини бир қасд қилиб, мен ғуломларига асл исёнчи, гуноҳкор қилиб кўрсатдилар, ҳамма хайрон бўлдилар. Фаҳмламасдан қолдим, шу ҳолда бедор бўлдим. Қайси тарафга жўнадилар, билолмадим. Лекин уйим ичи бўю ҳидига тўлибдур, афсус минг афсус...

Арз қиламан яхши қулоғ солсунлар! Ҳазрат Расули акбар муборак қадларни ҳам қилиб турибдилар, мени яқин оғам, ўғил, хотун ва муборак қарияларни бир тарафида ушлаб турди. Ҳар навбат зиёрат қилиб олдим, лекин муборак жамолларини аниқ равшан кўрсатмасдан ҳам бўлиб турдилар. Жамолларининг нури ҳамма жонибни равшан қилиб турнбдур, шул ҳол ёнида бедор бўлдим. Афсус, минг афсус! Доду фарёдимни қандай айтаман. Бошимни тоғу даштларга қачон ураман дод-дод! Бу давлат менга етмасму? Ҳабибнинг уммати қилдинг ва бу саодатларга мушарраф қилдинг, армон менда йўқ!

Нақл қиладурман, ушбу замонларда баъзи одамлар масжидга намоз ўқимоқ учун кирадурлар, намоз ўқийдурлар ва намознинг шундай шижоат, журъат билан ўқийдурларким, гўё намозни бир лўқма қилиб ютуб юборса ёки ридо¹⁸⁴ қилиб ўзига ўраб олса, ўшал хил кишиларни баъзилари беилм эркан. Салавот фарзи ажиб ва синоат ҳеч бирларини мустаҳаб¹⁸⁵ билурга кафиллик илми йўқдур. Шундай хил одамлар на намоз, на нафл ўқийдурлар. Ваҳоланки бул тараф одамларини ҳеч бири пирга инобат қилғон эмас. Сабаби маълум бўлинди, махмур (маст) бўлиб нафл айтурга буюрар экан, сулуки шаръийларини бажо. Келтируб, бир эътимод қўйгандан сўнгра нафл ўқурга амр этар эканлар, чунончи иршод талаб кўрмасангиз бўларсиз. Кўп афсус қиламизки, мўмин-мусулмонман деб ўзининг сўзини пиримизга айтиб ва намоз ўқуб, масжиддан ҳаммадан кейин келиб, чиқиб ҳаққи Исо ва ҳаққи Абулбашарнинг фарқини қилмасдан нафас шарти билан лўқма қиладурлар ва яна аксар масжид саҳнида ва масжид олдида ўтуруб, ўтган ва кўрунган халойиқдан шиква шикоят оғоз қиладур. Бир бсгона ожизни халойиқга жалб қилиб, ном борлик шуҳрат тарқатадурлар, ҳам бир жой ва ҳам бир маконда туғилиб, мисли бир жуззу бир бадандек аён бўлиб, рўзе чанде (бир неча кун) бир кўриниб, саломлашуб турган бегуноҳларни йўқотиб на ном-нишон қилмоққа ва палову худойи мавжуд бўлунса, оғзидан махуф қилиб ўз аҳбоблари билан яшамоққа ва ҳар ким давлатхоҳ ва хайрихоҳ бўлуб, палончи сўзлаюргон бўлса, аҳбоб қилурга жуда жидду жаҳди балиғ қиладурлар. Ва балки ҳамсояга ёмон сиғинур ва ёмон нияг қиладурлар. Худодан кўрқмаслар, бор умрлари манфаат излаб ўтадурлар, халойиқнинг қулоғига охири эшитиладур. Шарм тутмаслар, умримиз шу минволда ўтади деб ўйлайдурлар. Худонинг иши шундайки, бурчи фалак иқболи тоғни боғ қиладур, боғни эса тоғ қиладур. Бегонани ошно, ошнони бегона қиладур. Бехуда ўтар дунё учун нафсониятни тўла қиладурлар!

Мен бечора ҳаммадан кам ва шикасталигим ва акбар касирлигимни баёну таҳрир қиламан ва ҳеч оҳдан зорга тақвим бўлмас ва кишини озорига ҳеч вақт журъат қилмадм. Ғарибу бечора, ожизларга бир тарафдан қусур ва зарар етадурган вақтда шундай бечораларга кўшилнб, бирга йиғлашуб тураман. Мабодо менга етса, ҳеч ким менга бу ишни қилмайдур. Лекин кишига мулозамат қилмоққа ва тақлиф қилмоққа кўлим тегмайдур. Ва тартиб билан сўзламоққа кўнглим ёр бермайди. Шундай очиқ кишини замон суймайдур. Урусия ҳеч кимга вафо қилмас, агарда қилса сартия ичидан менга қилур эди.

ЭСКИ МАРҒИЛОН ШАҲРИДА БЎЛМИШ МАЪРУФУ МАШҲУР АҲЛИ ТУЖЖОРЛАР

Биринчи – Исмоил махзум¹⁸⁶, лақаби Карнай махзум. Кўп саховатли, ҳурматли киши, кўп масжидлар, мадраса ва авқофлар (вақфлар) қилган. Қорихона ва мактабхоналар бино қилган. Катта бозордаги Хиштин мадрасани ҳам шу худо раҳматли бино этиб, ёнига ҳаммом солиб, унга (мадрасага) вақф қилган. Ўзи ҳам, отаси ҳам яхши одам эдилар.

Иккинчи – Муҳаммадиброҳим бой отлиғ, кўп яхши савдогарларнинг ашрафи (шарафлиси) эди.

Учинчи – Мир Салимбой, катта савдогар киши эди. Қози гузар маҳалласига бир яхши ва катта мадраса бино қилган киши эди.

Тўртинчи – Муҳаммадкаримбек отлиғ савдогар одам бор эди. Тошлоқ маҳалласида бир яхши хиштдан мадраса бино қилиб кетти.

Бешинчи – Эски Марғилонда Ҳожи Азимжонбой-бачча. Бу киши ҳам чанд адад масжидлар бино қилди.

Олтинчи– Мулло Охунжонбой ҳожи. Мазкур Исмоил махзумнинг ўғли. Охири умрларида кўп вақфлар тайин этибди.

Еттинчи – саховатпеша ва бечора одамларга қуллари очик ва аҳли қалам одамлари учун кўп шафқату мурувватлик эски марғилонлик Бобоёр Мирзо Салимбой ўғли. Бу киши ўз ёшлик вақтида мадрасаларда таҳсили улум қилиб юруб, билохир Султон Муродбек хизматида омборхонага мутасадди мирзо бўлиб обрў топди. Анча йили ўрда ичида бўлиб, андан сўнгра Эски Марғилон кўрбошиси билан туриб, подшоликка даркор бўладиган нимарсаларни тайёрлаб бериб турарга ва ҳам катта бозордаги ҳамма торозуларни пудрат қилиб олиб, ҳар қайсиси тепасига ўзи саркор ва мирзо кўйиб, давлати кучли бўлган вақтда, ўрусия давлати келиб дохил бўлгандан кейин шу ишда қолди. Ҳар хил одамлар наф кўриб, давлатмандлик мартабасига етти. Бундан бошқа кўп катта ишларга мутасаддий бўлиб, охириги мартабада Эски Марғилоннинг катта бозоридаги Султон Муродбек вақфликка тайин этган яхши саройини то 25 йил пудрат қилиб олгандан кейин уни бузиб, ҳаммасини бозорлик расталар бино этиб, бозорни обод қилди. Халқ сўзига қараганда бу Мирзо [Салимбой] Поччони кўп катта ақчаси сарфу харажат бўлибди. Бир катта мартабалик ўрус: “Бир жонингиз учун бу қадар меҳнат тортурсизму?” – деганида: “Бу хил меҳнатлик ишларни қиламан ва мени ғараз-ғоятим ҳар хил. Одамлар бу ишларга аралашиб, кўлимдан пул олиб, овқат қиладилар ва бўлак вақтда бу хил бечораларга нафъ етказолмайман”, – деб айтармиш.

Саккизинчи – бу Эски Марғилонда яна бир яхши одам эмиш. Ўзи ёшлик вақтида мусулмон хонлари асрида мирзолик хизматида қалам ушлаб хизмат этиб, обрў топган Мулло Муҳаммадшариф мирзо ҳаммага маъруф ва машҳур эканлар. Машҳад даҳасига мингбоши эканлар. Илоҳо ҳамиша саломат бўлсинлар!

Яна Эски Марғилонда Маржонқизбой отлик катта аҳли тужжор маъруф киши бор экан. Ўз асрида кўп яхши шижоатпеша, садакаи жория ишларига саъйлик ва масжиду мадраса бино қилган одам экан. Марҳум бўлиб, ўрнида икки ўғиллари жойнишинн (ўринбосар). [қолибдур] Катта ўғиллари – Мулло Мусажонбойвачча кўп олийҳиммат, хайру эҳсонлик ва закотни ўз вақтида берувчи ва муллоларни дўст тутувчи сахий киши эмишлар.

Яна Фарғонага қарашли ҳамма шаҳарларда мулку амвол (молу мулк), зобут (завод) ва гумашта фармонбардор одамлари бор, ўзи Хўқанд шаҳрида туриб оламдан кетган, катта савдогар номи оламда маъруф Олимжонбой. Бу кишидан, хусус [ан], бир яхши ўғли жойнишин қолубдур, номлари Мулло Солиҳжонбой. Яхши, ҳаммага ниҳоятсиз мақбулият топган, кўп маъруфу машҳур бўлган, саховатпеша ва фуқаро халқига мурувватли. Қирқ-эллик минг сўм пули мусулмонларга сарф бўлса, гўшаи хотирига келмайдургон, турфа сахий ва хушатвор, бева-бечораларга кўп закот ва эҳсон қилгувчн, аммо ўзи кўп донишманди пурдон кишидур. Сухан (сўз) марказида хайрон бўлган аҳли тужжор ва аҳли қаламларни йўллагувчи, йўлга солувчи одам бўлган эканлар. Ҳатто, бизларни бир кўриб дафъатан инъомидан сарафроз (инъомларидан миннатдор ва рози) қилган эди. Хўқандда доимо ва фазилатшиор ва ҳар хил акобирларга хўб мақбул бўлган экан. Бир соат суҳбатида ўтириб мазмун олдим, хўб афлотунтабъ киши эканлигини имтиҳон қилиб эдим. Шундай беҳбуд киши саломатлигини тиламоқ яхшидур, чунки оммаи халойиқ бошига мабодо бирор мушкул тушур бўлса, ўз мусулмонларини ҳар жойда қўллаб, мадад беришга уддасидан чиқадиган мартабадаги одам эканини оммаи халойиқ сўзлайдилар.

Яна кўрган ва яхшилардан эшитганим холис ахбор шулки, Эски Марғилондаги Янги каноп бозорига ва истансадан келадиган йўлнинг катта ва мисли Искобилуф шаҳри кўчасидек [кенг] қилинур, деб фармойиш бўлинган жихатидан кўчанинг икки юзидаги (фуқароларнинг эшик (ҳовли)ларидан тўрт газ¹⁸⁷дан ўлчаб олдилар. Сана 1900 инчи масиҳо йили март ойида иш бошланди ва жами тўрт-беш парча тўрасимонлар ҳам унга қўшилди...

Мани бечора ҳаммадан кам ва ўз шикасталигим ва ажзу қусуримни (ожишлик ва камчиликларимни) баёни таҳрир қиламан ва ҳеч бир одамдан заррача мавқеим бўлмас. Кишининг озорига ҳеч вақт журъат қилмадим, ғарибу бечора, ожизларга бир тарафдан қусур ва зарар етадиган вақтда, шундай бечораларга қўшилиб бирга йиғлаб тўраман ва мани койитса, ҳеч ким манга бу ишни [манъ] қилмайди. Валекин кишига мулозамат қилмоққа кўлим тегмайди ва таклиф қилмоққа яна

қўлим етмайди, тартиб билан такаллум ва сўзламоққа кўнглим ёр бермайди. Шундоғ феълли кишини замона сийламайди!

Мўмину мусулмон бўлсангиз ва бу китобимни мабодо кўрсангиз, ҳаққимга бир дуойи хайр билан ёд қилсангиз, Аллоҳ хайрингизни берсин, омин ё Рабб ул-оламин!

ИЗОҲЛАР

1. Худоёрхон ибн Шералихон уч маротаба тахтга кўтарилган. Дастлаб 14 ёшида 1260 (мелодий 1844) йилда Мусулмонқул итоатида давлатни бошқарган. Ўзининг мустақил биринчи ҳукмронлиги 1853-58 йиллар, иккинчи ҳукмронлиги 1862-63 йиллардир. Учинчи ҳукмронлиги 1865-75 йилларни ўз ичига олади. Рус ҳукумати уни Оренбургга сургун қилган. Худоёрхон ҳаж қилиш учун сургундан қочиб кетади. 1882 йили ҳаждан қайтаётганда Афғонистоннинг Каррух мавзеида вафот этади.

2. Қипчоқия – қипчоқлар, Фарғона вилоятидаги ўзбекларнинг энг катта уруғи. Хонликнинг нуктисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол аралашиб келган этник гуруҳ.

3. Қирғизия – қирғизлар. Фарғона вилояти сиёсий ҳаётида фаол қатнашган (юқоридаги изоҳларга қаралсин).

4. Худойқулихон – Шоҳрухбий авлодлардан. 19 ёшли Худойқулихонни Сирдарё қирғоқларидаги Сарой кўргонида қирғиз ва қипчоқлар хон қилиб кўтаради. Хон ўрнида турган Султон Саййид 1865 йили ўрислар босқинидан Бухорога олиб кетганда, Худойқулихон 17 июндан 14 кун хонлик қилган ва давлат хазинасини олиб Кошғарга кочган. Мамлакатда тарғибсизлик юз берган фурсатдан фойдаланиб, Бухоро амири ёрдамида Худоёрхон учинчи марта тахтга келади.

5. Ёқуббек – Бадавлат номи билан машҳур Муҳаммадқуб-бек Пскентий бўлади. 1864 нилгача Қўқон хонлари хизматида бўлиб, 1864 йили Шарқий Туркистонда Хитой ҳукмронлигига қарши озодлик ҳаракатини бошқарган. Еттишаҳар давлатига асос солиб, 1877 йили вафот этган.

6. 1865 йилга келиб Россия Қўқон хонлигига тегишли Сирдарё бўйларидаги барча истеҳкомларини босиб олади. 1868 йилга қадар Тошкент, Хўжанд, Ўратепа. Жиззах, Самарқанд ҳам босиб олинди. Бу ҳудудлар асосида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди.

7. Мулло Исо Авлиё – Худоёрхоннинг молия вазири бўлган (1865–75). 1876 йили февраль ойига келиб Қўқон хонлигини Россия қўшинлари тўлиқ босиб олгандан кейин, Исо Авлиё хийла билан қўлга олиниб, Россияга сургун этилади. (Батафсил қаранг: Об имуществе высланных на жительство в Россию мулла Иса-Аулия и др. // ЎзРМДА, И–19-фонд, 1-рўйхат, 10408-жилд).

8. Насриддинбек – Худоёрхоннинг тўнғич ўғли. 1850 йилда тугилган. 1875 йили Андижон кўзғолончилар Насриддинбекни Саритол қишлоғида Худоёрхон ўрнига хон деб эълон қилишади. Қўқон хонлиги босиб олинганидан кейин Насриддинхон Россиянинг Владимир губерниясига сургун қилинган.

9. Урмонбек – Худоёрхоннинг ўғли бўлиб, 17 ёшида вафот этган.

10. Маллахон – Шералихон ўғли. Хонликда ўзаро урушлар кучайиб кетиши натижасида қипчоқ ва қирғиз жамоалари Маллахонни 1858 йил 13 ноябрда хон этиб эълон қилганлар. 1859–60 йилларда Маллахон Бухоро амирлигига тобе бўлган Жизахни эгаллаб олди. 1861 йилда Бухоро қўшинларни Ўратепагача бўлган ерларни қайта босиб олди. Лекин Шахрисабз беклигининг қўллаб-қувватлаши туфайли Зомин ва Жизах яна Маллахон томонидан хонликка қўшиб олинди.

1861 йили Маллахон рус қўшинларига қарши кураш учун Тошкентга келади, етарли машқ кўрган ва яхши курулланган ўрис қўшинларига қарши зарба беролмайди. Куч йиғиш мақсадида орқага қайтади.

Ибратнинг ёзишича “Фарғона ва Туркистон хонларидан икки киши фуқаро ва дину миллат учун ҳаракат қилган эди, Бири (Алиқули) амирлашқар ва бири марҳум Маллахон. Тўплар қуйдуруб, милтиқлар ясаб, корхоналар қилиб тўплар узрасига кумушлар билан ёзувлар ёзиб, яхши диққат этган эди” (Ибрат. Тарихи Фарғона. – Тошкент: Камалак, 1991, 308-б.)

Бу даврда Худоёрхон Бухоро амири ёрдамида Маллахонга қарши курашиб Зоминни эгалаган.

1862 йил 25 февралда Маллахон суиқасд натижасида ўлдирилади. У хонлик тахтида 3 йилу 4 ой ҳукмронлик қилган.

Саййид Муҳаммад Султон – Худоёрхоннинг иккинчи марта тахтдан кегганида 1863 йил июнь ойида Алиқули амирлашқар ёрдами билан тахтга чиққан. 1865 йилгача хонлик қилган. Ўрислар Оқмачитни эгаллаб олгач, 29 июлда Саййид Султон Бухорога ўтиб кетган. 1868 йили Қўқонга қайтаётганда ўлдирилган.

12. Даҳмай Шоҳон – Қўқондаги хонлар дафн этиладиган авлодий қабристон.

13. Исломбул – Истанбул, собиқ Константинополь. Туркия давлатининг йирик шаҳарларидан бири.

14. Султон Муродбек – Худоёрхоннинг укаси бўлиб, Худоёрхон уни Марғилонга ҳоким этиб тайинлаган эди. 1873 йили Тошкент атрофидаги қозоқлар кўзғолон кўтарганда (қ. 22 изоҳ) Султон Муродбекни Дўстмуҳаммад додхоҳ билан сафарбар этиб, кўзғолонни бостиради. 1873 йили Худоёрхоннинг “марҳум мерос” фармойишидан кейин яна кўзғолон кўтарилди. Шунда Абдурахмон офтобачи Мулло Исо Авлиё билан тил бириктириб, Султон Муродбекни қипчоқларга топширишга ваъда беради ва Султон Муродбекни Иккисувга юборишади. Улар Султон Муродбекни хон кўтармоққа ваъда қиладилар. Ўзаро урушлар авж олгач, Султон Муродбек Қўқонга борганда, фуқаролар уни ушлаб Пўлотхонга тонширадилар. У Пўлотхон буйруғи билан Асакадаги Катта қабристонга олиб бориб ўлдирилади.

15. Мусулмонқул [и қипчоқ, чўлоқ] – асли қипчоқларнинг қулони уруғидан бўлган давлат арбоби. Мусулмонқул бошчилигидаги қипчоқлар Қўқонни босиб олгач, икки ҳафта ҳокимлик қилган Муродхонни ўлдириб,

Худоёрхонни хон деб эълон қиладилар. Шунда Мусулмонкул қизини Худоёрхонга бериб, оталиқ, унвонини олади. 1847 йили у мансабидан олинади, лекин кўп ўтмай яна мингбоши бўлиб олиб, Ўратепани Қўқонга тобе қилади. 1849 йили Мусулмонкул яна мингбошиликдан туширилиб, аввал Чустга, кейин Андижонга ҳоким этиб юборилади. У куч йиғиб Қўқонга ҳужуми оқибатида душманлари Тошкентга қочиб, вазирлик лавозимини эгаллайди. Худоёрхон ва унинг яқинлари бирлашиб, Мусулмонқули билан бўлган иккинчи жангда ғалаба қозонади ва қўлга тушган Мусулмонқули Йўлчибек додхоҳ бошчилигида Қўқонга келтирилади. У ўрдада ёғочдан қурилган ўн газ баландликдаги сахнада уч кун эртадан кечгача ушланиб, кечалари зиндонда сақланади; якшанба куни ҳижрий 1208 йили муҳаррам ойининг 19 кунн (милодий 1853 йил 15 октябрда) Қўй бозорида осиб ўлдирилади.

10. Мулло Абдурахмон – Мусулмонқулининг ўғли. Худоёрхон хизматида офтобачи бўлиб хоннинг ювиниши ва таҳорати вақтида хизмат қилган. Худоёрхон уни 1873 йили қирғизларнинг Маъмур Мундуз қўзғолонини бостириш учун юборган. Отасининг қасдини олиш мақсади Абдурахмоннинг қўзғолончиларга яқинлаштирган. Абдурахмон Худоёрхонга қарши яширин қўзғолон тайёрлайди. Олой қирғизлари Назарбек деган кимсани хон этиб сайлади, лекин қўзғолон Худоёрхон томонидан бостирилди.

1875 йили Худоёрхон Тошкентга қараб қочади. Насриддинбек хон қилиб кўтарилганда, Абдурахмон аҳолини ўрисларга қарши қўйди. Маҳрам яқинида Офтобачи қўшини ўрислар томонидан тор-мор этилди. Рус генерали Скобелев ҳийла ва найранг билан Абдурахмон офтобачини Асака ва Андижон орасида қўлга туширди. Офтобачи муҳаррам ойининг 20-куни Русиянинг Екатеринбург губерниясига яқинлари билан сургун қилинди. Чор ҳукуматининг рухсати билан Абдурахмон Маккани [иккинчи марта] зиёрат қилишга кетганлиги ҳақида архивларда маълумотлар мавжуд.

17. Улуғнаҳр – Фарғонадаги канал. Худоёрхон даврида ҳижрий 1280 (милодий 1869–70) йнли қазиб тугалланган.

18. Ясовул – саройдаги ва қўшинда кичик мансаб.

19. Ботурбоши, баҳодурбоши – Қўқон хонлигида беш юз нафардан кўп даста ёки тўп бошчиси. Внлоятларда эса ботир боши ҳарбий ва қўшин ишларига, шунингдек, сув чиқариш ва ободончилик ишларига масъул бўлган.

20. Асака – Андижон вилоятидаги шаҳар. XVIII асрда Шаҳрихонсой ариғининг ўтказилиши Асака ривожланишида муҳим воқеа бўлди. Фарғона водийсини Русия босиб олгандан сўнг, 1888 йили темир йўл қурилиши натижасида янги шаҳарча пайд бўлди. Бугунги кунда Асака – Ўзбекистон Республикасида ривожланаётган саноат шаҳри. Асака шаҳри – туман маркази.

21. Сипоҳ – аскар, сарбоз.

22. “Маҳруми мерос” ёки “васиқа баробар” – 1873 йили Худоёрхон чиқарган меросдан маҳрум деган буйруқ. Худоёрхон 45 ёшга киргани муносабати билан шу давргача қилинган васиқаларни бекор қилиб, одамлар меросига ўзини ҳам қўшиб, бир қисмини тортиб олади. Шундан халқ норозилиги кучайиб кетади.

23. Марғилон шаҳри XVIII асрда Қўқон хонлигига тобе бўлиб, Марғилон беклигининг асосий шаҳри ҳисобланган. Духоба ва олча тўқийдигап корхоналар сони кўп бўлган. Бухоро амирп билан хонлик ўртасидаги кураш кескинлашганлиги сабабли XIX. асрнинг 40-йилларида шаҳар атрофида баланд қўрғонлар қурила бошланди. Қўрғоннинг Қўқон, Андижон ва Хўжанд йўлларига чиқадиғай дарвозалари бўлган.

24. Андижон – “аввалда Андигон бўлиб, арабча олганда Андижон бўлур, “кофи форсий”, арабда “жим” ўқилур. Андигон “андлар” даган сўз. Анда турклар уруғининг ўзбекларини айтур. Андижон араблар қўлига ўтмасдан олдин ҳам бор эди. “Қутаду бнлик” да ёзибдурларким, Ўғузхон Тошканд ва Сарёмни ўзи қамал қилди. Туркистон ва Андижон тарафга ўғлонларини юборди. Ўғузхон замонида Андижон шаҳри машҳур экан... Андижонни ободлигини билмак бўлган киши “Бобурнома” тарихини кўрса билур”. – деб ёзган Ибрат “Тарихи Фарғона” асарида.

25. Андижонни 1875 йили рус мустамлакачилари босиб олдилар. Ҳозирда Андижон вилоятининг маркази.

26. Ўш шаҳри IX–X асрларда сомонийлар давлати, X–XII асрларда қорахонийлар давлати таркибига кирган. XIII асрда мўғуллар истилоси натижасида харобага айланган эди. XIV асрда амир Темур шаҳарни қайта тиклаган. XVII асрдан Қўқон хонлиги таркибидаги савдо марказларидан бўлган. 1876 йили Русия томонидаи босиб олинди. Ўш ҳозир Қирғизистон худудида.

27. Наманган – 1842–45 йилларда атрофи баланд деворлар билан ўралган шаҳар. Қўқон хонлигининг сўнгги кунларигача Наманган беклар қароргоҳи бўлган. Ҳозирда Наманган вилоятининг маркази.

27. 1873 йили маҳаллий ҳокимлар жабри натижасида қирғиз қипчоқлар бош кўтардилар, 1873–75 йиллари Ўзганд ва Ўшда қўзғолонга Маъмур Мирғаниев раҳбарлик қилган. Уларга қарши 2 марта Султон Муродбек юриш қилиб, қаттиқ жазо беради. 3-маротаба Худоёрхон Абдурахмон офтобачи ва Исо Авлиёни юборади. Маъмур ўрисларга асир тушганда Худоёрхон илтимоси билан Тўқмоқ вилоятига сургун этилди. Лекин у 1878 йили Етимхонга амирлашқар бўлиб, ўрислар ҳукуматида яна қарши чиқади. Туркистон геперал-губернатори Кауфман буйруғи билан Андижонда 1879 йил 25 январда дорга осилган (ЎзРМДА, И–19-фонд, 1-рўйхат, 275-йиғма жилд, 17–28-в.).

28. Фўлодхон (Пўлатхон) – ўзаро тахт талашишлар натижасида кўтарилган хон. Халқ норозиликларидан фойдаланиб қирғиз зодагонлари ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилдилар. Қирғизлар Бухорода яшаётган Муродхоннинг ўғли Пўлатхон олдиға бориб хон бўлишини таклиф қилдилар. Пўлатхон улар таклифини қабул қилмади. Тошкентлик бой Мулла Абдулмўминнинг маслаҳати билан Намданак деган жойдаги носфуруш Мулло Исҳоқ Ҳасан ўғлини Чустга келтириб, уни 1873 йили “Пўлатхон” номи билан хон кўтардилар. Пўлатхон 1876 йил 1 мартда Марғилон шаҳрида дорға осиб ўлдирилган (ЎзРМДА, И–19-фонд, 1-рўйхат, 30-йиғма жилд).

29. Офтобачи –қ. 10-изоҳ.

Қўқон хонлиги тарихи (хонлик тарихи – манбаларда)

30. Сартия – XIX–XX аср бошида маҳаллий ўтроқ ўзбек ва тожик аҳолисининг номи. Сартлар қадимдан шаҳар ва қишлоқларда яшаб, деҳқончилик, савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган.
31. Амирлашкар – Қўқон хонлиги даврида жорий бўлган олий мансаб. Ҳарбий вазир қаторида бўлиб, ҳукуматнинг ҳамма ишларига, чунончи хорижий ишларига ҳам тамоман дахлдор бўлган.
32. Сипоҳсолор – лашкарбоши, амирлашкар.
33. Понсод (понсодбоши) – Қўқон хонлигидаги ҳарбий унвон, беш юз нафар аскардан иборат гуруҳнинг раҳбари.
34. Хўжанд/Хўжаанд – шаҳар, ҳозирда Тожикистон Республикасига қарашли Суғд вилоятининг маркази.
35. XIX–XX аср бошларида ҳам Тошкент хонлигининг энг муҳим сиёсий, маъмурий, иқтисодий ва маданий марказлардан бўлган.
36. Яримподшо – Туркистон генерал-губернаторларининг маҳаллий аҳоли ўртасидаги номи.
37. Оқподшо – Россия подшоларининг Туркистон аҳолиси орасидаги номи.
38. Кауфман Константин Петрович (1818–82) – Туркистон генерал-губернатори (1867–82). У Бухоро амирлиги (1868), Хива хонлиги (1873) ва Қўқон хонлигини Русия империясига (1876) қўшиб олишда қатнашган. У Туркистонни мустамлака асоратида сақлашга, уни Русиянинг хом ашё базасига айлантиришга астойдил хизмат қилган.
39. Скобелев Михаил Дмитриевич (1843–82) – ўрис ҳарбий кўмондони, генерал-адъютант. Хива юриши (1873)да, Қўқон кўзғолонини (1873–1876) бостиришда иштирок этган. 1870–77 йили Фарғона области ҳарбий губернатори, Марказий Осиёда чор ҳукуматининг мустамлака сиёсатини юритган. Русия–Туркия уруши (1877–78)да қатнашган. Фарғона шаҳри 1907–24 йилларда Скобелев номи билан аталган эди.
40. Муаллиф адашган. Калпаковскнй 1882 йилда Туркистон генерал губернатори вазифасни вақтинча бажарган эди.
41. Оқ кигизга солиб хон кўтариш – туркий халқларда хонларни тахтга ўтказиш маросими. Хонликка танланган хон, бек, амир ёки шаҳзода оқ кигизга солиниб, тўрт бурчагидан энг нуфузли уруғ, аймоқ намояндалари ва энг эътиборли мансабдор шахслар кўтариб тахтга ўтказган.
42. Додхоҳ – Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигида аризалар, шикоятларни амир, хонга етказиб, жавобини шикоятчиларга қайтарувчи, мамлакатда жамоат тартибини назорат қилувчи амалдор.
43. Алиқули – баъзи манбаларда Алимқули, Олимқули ва Алимқул. Унинг асл исми Алиқули эканлигини кўлимиздаги унинг муҳрининг нақши туширилган иноятнома тасдиқлайди. У Ҳусайнбий Утарчи ўғли бўлиб, Андижон атрофида 1830 йили туғилган. Султон Саййидхон ибн Маллахон уни 1863 йили август ойида амир ул-умаро мансабига тайинлаган. Алиқули энг олий саркарда – амирлашкар сифатида чор истилоси арафасида хонликда тартиб ўрнатиб, русларга қарши ҳаракатларни бошқарган. Алиқули 1805 йили май ойида Тошкент ҳимоясида ҳалок бўлган. Туркистон халқлари озодлик ҳаракати тарихида халқ қахрамони сифатида машҳур. Унинг ҳаёти ва фаолияти маҳаллий манбаларда кенг ёритилган. [Алиқули ҳақида кенгроқ маълумот учун изоҳлар сўнгидаги мақолага қаралсин].
44. Қаноатшоҳ – Калли Қаноат номи билан машҳур бўлган Қўқон атолиқи. Маллахон даврида Туркистон ҳокими (1857–63). Асли Қоратегиндан. Қаноатшоҳ Бухоро амири томонидан 1862 йил қатл қилинган.
45. Парвоначн – унвон, бошқа унвонларнинг эгаларига ҳам берилган. Унинг эгаси ўзини хонга содиқлигидан фойдаланиб, хат ва аризаларни саройга олиб кнриб, у ердан жавобини парвона/капалакдек олиб чиқар эди.
46. Жўрабек – Шаҳрисабз ҳокими, додхоҳ. Самарқанд мудофаасида фаол қатнашган лашкарбоши. 1870 йили ўрислар билан жангда енгилиб, Фарғонага келади. Худоёрхон уни қўлга олиб, русларга топширади. 1875–76 йилларда Жўрабек Қўқон истилосида ўрислар томонида қатнашган. 1906 йили Тошкент Қорасувидаги боғида ўлдирилган.
47. Ермасжид – мавзенинг номи.
48. Қўрғонтепа – ҳозир Андижон вилоятидагн туман маркази.
49. Ерлик – ёзма буйруқ, кўрсатма, фармон.
50. Мирзобошп – мирзолар бошлиғи.
51. Хазиначи – хазинанинг кирим-чиқим ҳисоб-китобига жавобгар шахс.
52. Мирзо – хонлик даврида хат, ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланган. Чор маъмурияти томонидан ҳам ишга жалб этилган,
53. Лакпули – жарима, контрибуция. Бир лак 100 минг. Рус мустамлакачилари уларга қарши курашганлардан олган жарима маҳаллий аҳоли ўртасида “лакпули” деб юритилган.
54. Ғалаён пули – кўзғолончи Фарғона аҳолисидан 1876 йил ундириб олинган жарима пули, ўлпон.
55. Валихон тўра – Фарғона хўжаларининг намояндаларидан. Шарқий Туркистондан Марғилонга келиб яшаган вақтида ўрислар ҳужуми ва Пўлатхон кўзғолонига қарши ҳаракатни бошқарган. 1876 йили Русияга сургун этилган.
56. Эшик оғаси (чехра оғаси) – эшик олдидаги соқчи, посбон, хон маҳрамлари ва соқчи-мулозимларининг сардори.
57. Юзбоши – ҳарбий-маъмурий унвон, юз кишилиқ даста бошлиғи. Юзбоши йилига 80 пуд буғдой, 240 пуд жўхори (отлари учун), кимхоб чопон, салла, тўшак (ёки уч тилла), этик, пўстин, тўн-чакмон, 2 қўй, чой (икки қадок), оқ (кўк) чой ва ҳар ойи 1 тиллаю 4 танга пул, яъни бир йилда жами 36 тиллага тенг маош олган.
58. Қўрбоши – қўрхона, яъни қурол-аслаҳа, яроқ, тўп ясаш шохобчаларининг бошлиғи. Хон ва мннғбошига итоат қилган. Худоёрхоннинг сўнги хонлик даври (1866–75)да қўрбоши қўрхона, милтиқхоналарга бошчилик қилиб, хом ашё топиб келишдан тортиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни хон қарорига биноан тарқатиш жараёнига жавобгар бўлган.

59. Қозикалон пойтахт ва вилоят марказларидаги қозиларнинг ва қозихона ишларининг устидан назорат қилиб турган. Қозикалон йилига 800 ботмон ғалла ва 1200 танга пул олган.
60. Қози аскар – қўшин қозиси.
62. Қози ул-қузот – қозилар қозисн (яъни Адлия вазри).
62. Қози ранс – аскарлар муфтиси берган фатволарнинг қўшин ичида ижро этилиши устидан пазорат қилган.
63. Файзобод – Фарғона вилояти Олтиариқ туманига тегишли қишлоқ.
64. Мавлавий Чўбин – Худоёрхоннинг учинчи хонлиги даврида (1865–75) Қўқонда яшаган аллома. 1875 йили оломонни ўрда талон-торожидан тўхтатмоқчи бўлганда ўлдирилган.
65. Иноятнома – хон томонидан бериладиган ҳужжат, марҳаматнома.
66. Мударрис – мадрасада дарс берувчи муаллим, олим.
67. Учқўрғон – шаҳар, ҳозирда Наманган вилояти, Учқўрғон туманининг маркази.
68. Тўқайтепа – Қўқон шаҳридан 16 км узоқликда жойлашган.
69. Илмий адабиётларда маҳаллий аҳолидан сон-саноксиз қариялар, хотин-халаж, бола-чақалар ўлган дейилади. Рус ҳарбий қўшинларидан эса ҳалок бўлганлар ва жароҳат олганлар сони 66 киши деб кўрсатилган (Бобобеков Х. Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки (XVIII–XIX вв.). – Ташкент, 1990, 94-б.).
70. 7-, 16-изоҳга қаранг.
71. Асака рус қўшинлари томонидан 1876 йил 3–17 январиди босиб олинган.
72. Қоратегин ҳукумати – Қоратегин, Дарзоз, Бадахшон ерларини бошқарган ҳокимлик. Ҳокими Бухоро амири томонидан тайинланса-да, у, асосан, Қўқон хонларининг таъсир доирасида бўлган.
73. Мингбоши – ҳарбий унвон ва мансаб, мўғуллар истилоси давридан мавжуд (уларда тимчи). Минг нафар аскарнинг бошлиғи, маъмур сифатида минг нафар отлик, аскар берадиган мулкнинг ҳокими. Ҳарбий юришлар вақтида қўшинни бошқариб, лашкарбоши унвонини олган. Бу унвоннинг эгаси вазирликка даъвогарлик ҳуқуқига эга бўлган. Қўқон хони Шералихон даври (1842–44) да мингбоши амали юқори даражадаги вазифага айланган. Машҳур мингбошилар – Муҳаммадюсуф, Шодибой, Мусулмонқули кипчоқ, Муҳаммаддиёр, Мулло Холбек, Мирзо Аҳмад, Ннэзмуҳаммад, Алиқули, Абдурахмон Мусулмонқули ўғли ва бошқалар бўлган.
74. Балиқчн – Андижон вилоятига қарашли туман маркази.
75. Шаҳрихон – Андижон вилоятидаги Умархон даврида барпо этилган (1814–18) шаҳар. Вилоятнинг жануби-ғарбида, Фарғона водийсинпнг жануби-шарқида. Шаҳрихонсойнинг ҳар иккала соҳилида жойлашган, шарқий ва жанубий томонларидан катта Фарғона канали оқиб ўтади. Ҳозирда Шаҳрихон туманининг маркази.
76. Бекчурин – Мир Юсуф Мирсолиҳович – капитан. 1874 йили Чуст участкаси бошлиғи, 1876–78 йилларда Марғилон уезди ҳокими. Маҳаллий аҳоли назарида яхши хизмат қилган рус маъмурларидан (ЎзРМДА, 4-китоб, И–19-фонд, 1 рўйхат, 10187-йиғма жилд, 1–6-в.; 529-йиғма жилд, 1-а, б в).
77. Уезд – Россияда ва 1929 йилгача собиқ СССРда губерна таркибидаги маъмурий-ҳудудий бирлик.
78. 76-изоҳга қ.
79. Маҳаллий тилни билган рус маъмури 50 сўм (рубль), рус мирзоси 30 сўм, осиелик мирзо 20 сўм миқдориди маош олган (ЎзРМДА, И–1-фонд, 1-рўйхат, 224-йиғма жилд, 14-в.).
80. Семёнов – архив ҳужжатларида Смирнов (ЎзРМДА, И–1-фонд, 11-рўйхат, 14-йиғма жилд).
81. Риштон – ҳозир Фарғона вилоятидаги туман. Шимолдан Бағдод, жануби-шарқдан Олтиарнк, ғарбдан Ўзбекистон тумани, жанубдан Қирғизистон билан чегарадош.
82. Андижонга Смирнов, Қўқонга Нагантинков, Ўшга капитан Ресийна, Наманганга Наливкин ҳоким этиб тайинланган. Андижонга ноиб этпб Арванитаки, Қўқонга ноиб Десятков, Ўшга ёрдамчи ноиб Иванов тайин қилинган эди.
83. Областной маҳкама – вилоят маъмуриятининг девонхонаси.
84. Акбаралибек ва Сайидмавлонбек – Султон Муҳаммадмуродбекнинг ўғиллари, улардан ташқари Сайид Муҳаммадсиддиқбек, Сайид Абдулазизбек, Сайид Аҳмадбек, Сайид Муҳаммадсолиҳбек, Ҳайдар Муҳаммадбек деган ўғиллари ҳам бўлган. Худоёрхон авлодлари ҳақида қаранг: Шоҳрухбек Умаров. Худоёрхон авлодлари тарихи. – Тошкент: Турон зиё, 2014. – Б. 470-698.
85. Фўлодхон 1876 йил 1 мартада Марғилон шаҳрида дорга осиб ўлдирилган.
86. Истанбул уруши – яъни 1877–78 йиллардаги рус-турк уруши.
87. Абрамуф – генерал-лейтенант Александр Константинович Абрамов. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори (1877–80). Пишпек, Авлиёота, Чимкент, Тошкент шаҳарларини босиб олишда жонбозлик кўрсатган (ЎзРМДА, И–19-фонд, 1-рўйхат, 1041-йиғма жилд, 1–8-в.).
88. 1876 йили қадимий Марғилонга яқин Ёрмозор ва Чим қишлоқ ерлари ўрнида янги шаҳар қурилиб, номи Янги Марғилон бўлди. Янги Марғилон вилоят марказига айланди. 1907–24 йилларда Скобелев деб номланган.
89. Хирож – асосий ер солиғи. Экилган дон маҳсулотларидан олинган. Серҳосил суғориладиган ерлардан олинган ҳосилнинг $\frac{1}{5}$ қисми, лалмикор ерлардан $\frac{1}{10}$ қисми ҳажмида бўлган.
90. яъни ерни ўлчаб солиқни пул билан тўлаш жорий этилди.
91. Русия ўлкани босиб олгандан кейин ерли аҳолини бошқаришда баъзи маҳаллпй идора амалларини сақлаган эди. Қозилик суди ва мингбошилиқ шу жумладандир. 1889 йил янги қонун билан бу тартиб янада мустаҳкамланди.
92. Аълам – илмий даража, олимларнинг олими дегани.
93. Муфти – турли масалалар бўйича тўғри қарор чиқариш учун фатво, хулоса берувчи олим.
94. Оламиён – қозихона, девонхона ва бошқа баъзи маҳкамаларнинг оддий хизматчиси.

Қўқон хонлиги тарихи (хонлик тарихи – манбаларда)

95. Шиғовул – элчи ва чопарларни хон ҳузурига бошлаб кирадиган шахс. Қўвонда шиғовул мансабида бўлган шахсларнинг вазифалари эса кенг бўлиб, вилоят ва ҳарбий ишларга ҳам дахлдор бўлган.
96. Имом ва имом хатиб – масжид имомининг диний унвони, жума намозларда хутба ўқиб, амри маъруф қиладиган аллома.
97. Охунд – (Қўқонда) диний унвонлардан бўлиб, билимли ва мадрасада ўқиб, ўқиш давомида дарс бериш жараёнига, вақф мулки идорасига аралашиб юрган амалдор олим.
98. Имтиҳон, асосан. ушрдан маош оладиган муллалардан “Ҳидоя”, “Далоил”, “Китоби никоҳ” ва бошқа шариат асослари баён этилган асарлар асосида олинган.
99. Хирожу таноб ва закот – солиқ турлари. Таноб пули – ердан олинадиган маҳсулот (сабзавот экинлари)нинг солиқ учун тўлайдиган қисми.
- 1883 йилги архив маълумотларига кўра Чуст уезди ва Ашт волостида 19 танобга (1 таноби шаръий – 60х60 газ–3600 кв кадам бўлган) қовун экилиб, у ердан 19 сўм, Бабодархонда 5 таноб ерга экилган бедадан 5 сўм 37 тийин солиқ олинган (ЎзРМДА, И–19-фонд, 1-рўйхат, 23159-йиғма жилд, 2–4-в.).
- Закот – молу мулк (ва чорва)нинг $\frac{1}{40}$ ҳажмида тўланадиган солиқ. Закот хон амалдори меҳтар бошчилигида закотчи, жарчибошп ва саркор томонидаи йиғилган.
100. 1877 йил 28 сентябрида Марғилон уезди бошлиғи Бекчурун давлат даромадидан ўз мақсади учун фойдаланганликда айбланган. Сибирга сургун қилинган (ЎзРМДА, И–19-фонд, 1-рўйхат, 529-йиғма жилд, 1-орқа в.). Бизнинг тахминимизча, у тухмат қурбони бўлган.
101. Арванистаки Николай Александрович – Марғилон уездининг ҳокими (1877–78).
102. Мединский Виктор Юльенович – полковник, 1807 йили Авлиёота уезди бошлиғи, 1869 йили Тошкент шаҳри бошлиғи, 1878 йили Марғилон уезди бошлиғи, 1879 йили Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ёрдамчиси, Фарғона области бошқаруви раиси.
103. Алексеев Владимир Михайлович – 1875 йили Чимён уезди, 1878 йили Марғилон уезди бошлиғига ёрдамчи, 1879 йили Марғилон уезди бошқарувчиси бўлган.
104. Волость – уезд таркибига кирган қуйи маъмурий ҳудудий бўлинма. Туркистон аҳолиси бўлиб, вўлиб деб юритган. Туркистон генерал-губернаторлиги 5 та вилоят, 27 уезд ва 603 та волостга бўлинган эди. Ҳар бир волостга ўрта ҳисобда 16 жой (қишлоқ, шаҳар) ва 1725 та хўжалик тўғри келган. Волостлар 1926 йилги иқтисодий-маъмурий районлаштиришга қадар сақланиб турган.
105. Депортация – баъзи мамлакатларда “ижтимоий хавфли” кишиларни (суд йўли билан ёки маъмурий тартибда) доимий яшаш жойидан ҳайдаш ёки бадарға қилиш. Депортация қилинган шахс белгнланган ерда яшашга мажбур, ўз ихтнёри билан бир жойдан бошқа жойга ўтиши ман қилинарди.
106. Абохта (авахта) – немис тилидаги гауптвахтанинг қисқартирилган маҳаллий шевада талаффузи, зиндон, камоқхона.
107. Землемер – ер улчовчи.
108. Вақфнома– мулк эгалари ўз ер-суви, хўжалнк бинолари ва даромад келтирадиган бошқа мулкларни диний муассасалар (масжид, мадраса ва ҳ.) ҳамда айрим руҳонийлар (эшон, муфти) сўфийлик жамоаларига тегишли муассасаларига ихтиёрий равишда ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжат. Вақф.номада мулкшиг вақфга ўтказнш сабабп, мулк эгасининг номи, вақф ёзилган мулкнинг мутавалли (бошқарувчи)си, вақф мулкидан фойдаланиш тартибн, гувоҳлар аннқ кўрсатилган. Вақфнома қози тасдиқидан кейин юридик кучга кирган.
109. Амин – амалдор, бозордаги тарози ва олди сотди амалларини шариат асосларида назорат қилган.
110. Фарғона вилояти ер солиғи бўлими бошлиғн майор Ястрежемский ўрнидан бекор бўлгандан кейин мазкур лавозимга 1879 йилда Марғилон уездининг бошлиғи полковник Мединский, кейин штабс-капитан Алексеев вақтинча тайинланган.
111. 1889 йилнинг 15 мартада бўлган жиноий ишни Фарғона вилоят Назорат Палатаси 1889 йпл 7 майида кўриб чиққан. Капитан Алексеев, поручик Зобусов, волость бошқарувчиси Бакибоев ва закотчи Раҳимовлардан етказилган зарарлари ҳисобига 2799 сўм 72 тийин маблағ ундириб олинган ва уларга жазо берилиб, Сибирга сургун қилинган.
112. Дейбнир 1889 йилда яна Марғилон уездига ҳоким бўлиб келади.
113. Чор мустамлакаси даврида Туркистон савдогарлари ҳам бойликларига кўра даражаларга бўлинган эдилар – мух.
114. Яков Мартёмякович Иванов – капитан, 1879 йили Наманган уезди бошлиғига ёрдамчи, 1880 йил январидан Марғилон уездида кичик ноиб, март ойидаи катта ноиб, 1887 йилда Марғилон уездига бошлиқ ёрдамчиси, 1888 йили Қўқон уезди бошлиғи ёрдамчиси.
115. Крамчовский ҳақида маълумотлар топилмади.
116. Черняев Михаил Григорьевич (1828–98) – рус ҳарбий босқинчиларидан, генерал-лейтенант. 1865 йили Қўқон хонлигига қарашли Авлиёота, Чимкент ва Тошкентни босиб олган. 1865–66 йилларда Туркистон вилояти ҳарбий губернатори, 1882–84 йилларда Туркистон генерал-губернатори.
117. Фарғона ҳарбий губернатори Иванов 1879 йил 4 августидан иш бошлаган.
118. Задонский (Марғилон ҳокимининг иккинчи ноиби) ҳақида маълумотлар топа олмадик.
119. Водил – Фарғона вилояти, Фарғона туманига қарашли қишлоқ.
120. Всеволод Иванович Томич – 1884 йил октябридан 1893 йнл 24 февралигача Марғилон уездининг бошлиғи.
121. Васиқа – кенг маънода ҳукукий ҳужжат, тор маънода. хусусий актни билдиради.
122. 1885 йили Х. С. Хўжаев биринчи бўлиб Марғилонда пахта заводи қурдирган.

123. Алвизи тўра – Иокима Алоизи француз бўлиб, 1860 йил 2–14 сентябрида Россия ва Австрия ўртасидаги тузилган савдо шартномасига мувофиқ аввал Россияга, 1885 йилдан Тошкентга келган. 1893 йилда ипакчиликни ривожлантириш мақсадида бепул мактаб очган. Архив ҳужжатларида француз тилидаги хат ва шунингдек, ипакчиликни ривожлантириш масаласига оид француз маркали қоғозлар мавжуд.

124. Оқпиллол – Марғилон уездига қарашли қишлоқ номи. Фарангий Иокима Алоизи шу қишлоқда ҳам фаолпаят кўрсатган.

125. Пахта заводларини қурганига қарамай В. И. Томич айбланиб, 1893 йил 24 февралда ишдан озод қилинган. Кейин Москвага жўнаб кетган. Қўлимиздаги бир ҳужжатга кўра бир гуруҳ Марғилон аҳолиси 1893 йил 17 июнида Томични айбларидан кечилиши ва ўз вазифасига тиклашни сўраб, Фарғона музофоти генерал-губернаторига арзнома ёзганлар. Бу хатни «Тарихи Азий» асари муаллифининг қаламига мансуб деб тахмин қиламиз.

126. Александр Ильинь Бряннов – капитан, 1876 йили Чуёт уезди бошлиғига ёрдамчи, 1883 йили Ўш уездида, 1885–87 йилларп Андижон уездида ишлаган, 1893–96 йиллари Марғилон уезди бошлиғи.

127. Дукчи Эшон Муҳаммадали Собир ўғли – 1898 йилги Андижон қўзғолонининг ташкилотчиси. Шу йилнинг 2 июнида қатл этилган. Бу шахс ҳақида архивларда ва илмий асарларда маълумот кўп учрайди.

128. Қўзғолон кечаси, яъни 1898 йил 19 май.

129. Марҳамат – Андижон қўзғолони бостирилгандан кейин Мингтепа атроф аҳолиси тақир ерларга кўчириб жойлаштирилган ернинг номи. Бу ер гўёки подшо ушбу аҳолига мурувват қилиб, марҳамат кўрсатди деб, Марҳамат волости деб номланган. Яна 146-нзоҳга қ.

130. Фарғона ҳарбий губернатори Капранов ҳақида маълумотлар учратмадик.

131. Пристав (матнда фрестуф/пристуф) – бу ҳарбий лавозим бўлиб, уезд бошлиқларига аҳоли устидан назорат қилишда, солиқлар йиғишда ёрдам бериб турган.

132. Абулқаҳор мингбоши – Шоҳмирзо додхоҳ ўғли, 1846 йилда туғилган. Мингтепа волостида мингбоши бўлган. Русларга садоқат билан хизмат қилган кишилардан.

133. Каретуф – Николай Порфилович Коретов – полковник, 1875 йили Қўқон хонлигига юришларда иштирок этиб, Наманган уезд бошлиғи ёрдамчиси бўлиб иш бошлаган. 1885 йили Чуст уезди бошлиғи ёрдамчиси, 1888 йили Янги Марғилон полиция пристави. 1894 йили Қўқон уезди, 1895 йили Марғилон уезди, 1895 йилнинг сентябридан Наманган уезди бошлиғининг ёрдамчиси, 1898 йили Марғилон уезди бошлиғи, 1898–1901 йиллар Наманган уезди бошлиғи. 1901 йили Янги Марғилон уезди бошлиғи ўрнига Рудановский келгач, унга ёрдамчи бўлиб ишлаган.

134. Охунжон – Мулло Охунд 1836 йил туғилган. 1882 йили Файзобод мингбошиси этиб тайинланган.

135. “Тазкират ул-авлиё” – Фаридуддин Атторнинг машҳур асари.

136. Асарнинг тўлиқ номи “Нафаҳот ул-унс мин ал-ҳазарот ал-қудс” бўлиб, муаллифи Абдурахмон Жомийдир.

137. Иршод – пир, муршиднинг уз муридига ўзига мурид олиш учун берадиган ижозатномаси.

138. Роҳи ҳақиқат – ҳақиқат йўли. Тасаввуфда сўфийнинг руҳий камолотга эришиш йўлларининг тўртинчи босқичи, “шахс сифатида тугаб Худога етишиш, унга сингиб кетиш ва натижада абадийликка эришиш”.

139. Тарикат – сўфийликда руҳий камолотга, Худога эришувнинг иккинчи босқичи.

140. Маърифат – тасаввуфда руҳий камолотнинг учинчи босқичи.

141. Соҳиби ҳол – сўфийнинг ўз сулуки ёки тарикатига хос бўлган ҳолларни ўзлаштириши ёки муайян ҳолатда бўлиши.

142. Сулуки ҳазрат Нақшбандия – Нақшбанд Баҳоуддин вал-ҳақ тарикати ва йўналишида бўлганлар.

143. А. И. Бряннов – Тошкент шаҳри ҳокими (1898–99).

144. Подполковник Ирданувский – яъни Рудановский. У 1901 йилдан Марғилон уезди бошлиғи бўлган.

145. Мингтепага қўзғолондан сўнг 200 россиялик оилалари кўчириб келинган.

146. Мингтепага 200 ўрис оиласи жойлаштирилиб, у ерни обод қилиш режаси тузилиб, черков учун 10.000 кв сажень, бозор майдони учун 31.000 кв с, катта йўл учун 122.000 кв с. узунликда ер ажратилган, 70.000 кв с. йўллар қуриши лойиҳаси ишлаб чиқилган. Черков учун 29.000 сўм, черков хизматларига 4.000 сўм, 80 ўқувчига мўлжалланган мактаб учун 8.000 сўм, даволаниш маскани учун (30 кишилик) 4.000 сўм, волост бошқармаси учун 2.000 сўм, шунингдек, ҳар бир кўчиб келган оила учун 100 сўмдан ёрдам пули (жами 20.000 сўм) берилган.

147. Пулисмейстер (полицейстер) – полиция бошқарувчиси. Марғилонда полицмейстер – подполковник Сергей Владимирович Домбровский, муовин – Владимир Дмитриевич Михайлов, полиция пристави – Николай Васильевич Бухарин бўлган.

148. Арванитаки мухлис бўлган қози – бизнингча, Сафилтўда даҳаси қозиси Абдумалик уста Абдураимовдир. У 1890 йилги қозилар йиғилишида даҳада қози этиб тайинланган. Ёрдамчи қозиси Мулла Муҳаммадқобил Абдусаломов бўлган.

149. Поччажонхўжа – Эшонтўра Поччажонов, Ёзёвон волостида қози ул-қузот бўлган, кейинги йилларда Машҳад даҳасига қозилик қилган (ЎЗРМДА, И–19-фонд, 1-рўйхат, 2905-йиғма жилд).

150. Юнусалихўжа Саид Аҳмаджон Эски Марғилонда Қаландархона даҳаси қози раиси эди.

151. Хўжажонхўжа Низомиддинов – қози, Марғилоннинг Тошмозор даҳасида туғилган. Эски Марғилонда 100 таноб шахсий ери бўлган. 1890 йил қозиликка сайлаш учун номзоди кўрсатилганда 55 ёшда бўлган. (Хўжажонхўжа авлодларига мансуб бўлган иноятномалар нашрга тайёрловчилар қўлида сақланмоқда.)

152. Бузрукхўжа қози Исмоил махзум – Марғилоннинг Машҳад қисмида 1890 йили қози этиб сайланган.

153. Мулла Музаффархон, яъни Музаффархўжа Мансур Хожинов – Ёзёвонда қози раис бўлган. Муаллиф кўрсатган вақтда Сафилтўдада қози бўлган бўлиши мумкин.

Қўқон хонлиги тарихи (хонлик тарихи – манбаларда)

154. Мулло Шоҳ Умар, яъни Бобо Исабоев. Илгари Тошмозор даҳасида қози раис, кейинчалик Ёзёвон қозиси бўлган.
155. Мулло Ҳошимхўжа эшон – архив ҳужжатида Эшонхўжа Ҳасанхожин деб ёзилган, Чимён волостида қози ул-қузот бўлган.
156. Мулло Тўхтаназар аълам Муҳаммедов – илгари Эски Марғилондаги Машҳад даҳаси қози раиси бўлган.
157. Бобораҳим Машрабнинг шеърлари ва унга нисбат бериладиган “Мабдаи нур” асари назарда тутилган бўлиши мумкин.
158. Бу ерда Рустам қахрамонликлари мадҳ этилган Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари назарда тутилган.
159. Матнда Кубо (Кува)да қозиликка сайланган кишининг номи кўрсатилмаган. Архив маълумотларига кўра Абдулқодир домулло Юсуфалиев деб тахмин қиламиз.
160. Ризокул охунд Кува волостидан, Қўқондаги мадрасада таҳсил олган. Ўша даврда 78 ёшда бўлган.
161. Мулло Абдулқодир махзум хожи Кува волостидан. Қўқондаги Султон Муродбек мадрасасида таҳсил кўрган. Ўша даврда 35 ёшда бўлган.
162. Хўқанд хонлигига 1710 йилда асос солинган. 1876 йили 19 февралда Русия босиб олгандан кейин хонлик тугатилган.
163. Танга – пул бирлиги. 1 тилла танга шаръий вазни 4,8 гр. бўлиб, 1 тилла 19–20 кумуш танга қийматига тўғри келган. Қўқон хонлигининг 1 тилла тангаси рус пулининг 3 сўм 80 тийинига тўғри келган. Маҳаллий аҳоли кумушдан ишланган тангани “оқ танга”, мисдан ишланган тангани “қора танга” деб юритган. Қора танга оқ танганинг 66 фоизига тўғри келган.
164. Ҳар қайси хон чақа пул, баъзилари тилла пул чиқарган. Қўқон хони Муҳаммадалихон ҳам оғирлиги 1 мисқол (3,6 гр) бўлган тилла танга зарб этган. У 1249 (милодий 1833–34) йили битилган васиқада «тиллоий аҳмари аълоий Хўқандий, зарби амир Муҳаммадалихони Ғозий» номи билан қайд қилинган.
165. Чекса – ўлчов бирлиги. Марказий Осиёда, хусусан, Қўқон хонлигида 1 чекса 11.5 фунтга тўғри келган (1 фунт – 400,12 гр)
166. Пайса – Ҳиндистон ва Афғонистонда пул бирлиги. Бу ерда танганинг майда пули ўрнида келаяпти.
167. Ийди қурбон – мусулмонларнинг рамазон ойидан 70 кун ўтгандан кейин бўладиган қурбон ҳайити, яъни 10-зулҳижжа ойи қайд этилган мусулмонларнинг ҳайит байрами.
168. Силаи раҳм – ҳар бир муеулмон учун энг яқинларига, атрофдагиларга хайру эҳсон қилмоқ, мадад бермоқни англатувчи тушунча.
169. Худоёрхоннинг иккинчи ҳукмронлиги, яъни 1862–63 йиллар назарда тутилган.
170. Купец ва подрядчилар – савдогар ва пудратчилар.
171. Марғилон уезди бошлиғи ёрдамчисининг ёзган билдиришномасида (1889 йили) 1 кг гуруч 40 тийин бўлганлиги кўрсатилган (ЎзРМДА, И–19-фонд, 1-рўйхат, 36574 йиғма жилд, 5-55-в.).
172. Ўрис дўхтири – капитан Германга Марғилон уездида нефть манбаларини қайта ишлаш учун рухсат берилган. Олтиариқ ва Чимён дашт-қирларида қидирув иши олиб бориб, нефть борлигини аниқлаган.
173. Фарғона водийсида ака-ука Нобеллар 1870-йиллардан бошлаб, асосан, Чимён, Мойбулоқ қишлоқларидан нефть маҳсулотларини олиш ва уни қайта ишлаш билан танишиб, ўлкага ўз сармояларини олиб келди. Биринчи жаҳон урушининг бошланиши билан нефть маҳсулотига эҳтиёж кескин ортиб борди. “Стандарт ойл”, “Ройли Дойч”, “Шели групп” сингари йирик компаниялар кириб келди (Жамолов И. Нобел ва Туркистон // Фан ва турмуш. 1998, № 1, 6–7-б).
174. Ҳазрати Офокхўжа – Шарқий Туркистонда фаолият кўрсатган Махдумн Аъзам – Хожа Аҳмад ибн Саййид Жалолиддиннинг авлодларидан (1549 йили вафот этган). Офокхўжа (XVII аср)дан Шарқий Туркистон ва Фарғонада фаолият кўрсатган “Хўжалар” авлоди келиб чиққан. Яна қаранг: 4-изоҳ.
175. Вилюят маҳкамасида хизмат қилган губернатор ёрдамчиси, кейинчалик этнограф олим Владимир Петрович Наливкин назарда тутилган.
176. Бу даврда маҳкаманинг мирзобошиси Н. Е. Булатников эди.
177. Ҳужжатлардан маълум бўлишича, у Жармуҳаммад Курпибоев бўлган. Ж. Курпибоев Туркистон Ўқитувчилар семинариясида таълим олган. 1896 йил 8 августда Наманганга юборилган. 1898 йил 26 мартдан Марғилон уездида таржимон бўлиб ишлаган.
178. Бизнинг тахминимизча, Муҳаммадазиз томонидан Бузрукхўжа ҳақидаги воқеалар тафсилоти раҳбариятга маълум қилинган бўлса керак (қаранг: По обвинению акакала Календарханской части Гор. Стар. Маргилана Бузрукхожа Абдуллаходжаева в неисползовании приказаний начальства. 1898 йил 29 май. (ЎзРМДА, И–19-фонд, 1-рўйхат, 21641-йиғма жилд)
179. Кишвойский – Калшевский Андижон уездида 1885 йил 10 февралдан вақтинча Марғилон уезди ёрдамчиси. 1887 йил 1 январидан Марғилон уезди участка пристави, 1889 йил 5 майдан Фарғона вилояти ер ва солиқ ишлари идорасида ишлаган.
180. Тир – қисм, бўлак.
181. “Қисмати саҳиҳа” – тўғри тақсим этиш, шариат қоидаларига мувофиқ меросни тақсимлаш.
182. Қозилар съезди – 1889 йилдан бошлаб Туркистонда волост, уезд ва вилюят қозиларининг съезди бўлиб турган.
183. Ҳазрат Али ибн Абитолиб – Муҳаммад с.а.в. куёви, тўртинчи халифа бўлган. 64 ҳижрий йили ўлдирилган.
184. Ридо – кийимнинг бир тури.
185. Мустаҳаб – ҳалол, ҳаром, фарз, суннат, шарт ва жойиз каби шариат тушунчаси. Бирор бир амални рад ёки ижозат бермай, саҳобалар қилмишига қиёс этиб ҳал қилдирадиган масала ёки муаммо.

186. Исмоил махзум Мулло Муҳаммадюсуф – Эски Марғилонда машҳур киши бўлиб, мадраса қурдириб унга вақфлар тайин этган. Архивдаги “О рассмотрении вакуфного документа мулла Исмаил махзума в Старом Маргилане” номли ҳужжатда 1864 йилдан бошлаб вақфнома берилганлиги, вақфномада 1 сарой Жуйи Олимон маҳалласида, 1 та участка, 12 та дўкон Шаҳристонда, яна қўшимча қилиб Тошмозор даҳасида 1 сарой, Қаландар даҳаси Жуйи Олимон қишлоғида 1 участка, 24 дўкон, Қумарикда, Найновда, Абосат қипчоқ, боғида 1 тадан участка ажратилган. Бу ерлар Исмоил махзум вақф ерлари деб топилиб, 5 қози муҳри билан 1894 йил 9 декабрида тасдиқланган.

187. Газ – узунлик ўлчови 91 см.га тенг.

* “Тарихи Азизий” асарини нашрга тайёрлаш ва унинг устида изланишлар олиб бориш жараёнида Фарғона водийсининг кўп жойларида бўлди. Архивлардан Муҳаммадазиз ҳаёти ва унинг фаолиятига оид маълумотлар кидирдик. Қўқон шаҳрида яшовчи устоз раҳматли Аҳмаджон ака Мадаминов ёрдами билан бир нечата муҳим ҳужжатлар топилди. Шулардан бири Алиқули амирлашкар номи ва фаолияти билан боғлиқ. “Тарихи Азизий” нашри муносабати билан уни янада тўлдирадиган бу ҳужжатлар асосидаги тадқиқотимизни ҳам ўқувчилар диққатига ҳавола қилишни лозим топдик. Ушбу маълумот Туркистон тарихида катта ўрин эгаллаган халқ қаҳрамони Алиқули таржимаи ҳолини тўлароқ ёритишга ёрдам беради.

1865 йил июнь ойида Тошкент ўрис қўшинлари томонидан босиб олинган, зобит Черняевнинг Тошкентга кириб келиши биланоқ биринчи иши Қўқон хонлигининг амирлашқари Алиқулининг ростдан ҳам оламдан ўтганлигини аниқлаш бўлган. Шайхонтохур қабристонидagi Алиқули қабрини ўз кўзи билан кўрган босқинчининг кўнгли бирмунча таскин топган. Зеро у ўзига бас кела оладиган жасур лашкарбоши Алиқули билан бир неча жанглардаги тўқнашувларда талафот кўриб, унинг ҳарбий маҳорати ва жасоратига қоил қолган эди.

Туркистон тарихининг XIX аср ўртасида катта ўрин эгаллаб, чор босқинчилигига қарши ҳарбий ҳаракатларни ташкил этиб, уни бошқарган Алиқули ибн Ҳасанбий 1830 йили Қўқоннинг Навҳут (Навқат/Навкат) волости Бужун Буткан деган мавзеида оламга келганини амирлашқарнинг биографи Муҳаммадюнусжон Тойиб узининг “Тарихи Алиқули амирлашкар” номли асарида ёзган(юқорига қаранг).

Шуни айтиш лозимки, кўп тарихий манбаларда Алиқули Олимули ёки Алимкул номи билан ҳам тилга олинади. Қўлимизга тушган янги манбалар эса, ўрис босқинчиларига қарши урушда қаҳрамонлик кўрсатиб, Тошкент ҳимоясида вафот этган саркарданинг асл номи Алиқули эканини исботлайди. Биринчи ҳужжат 1280 йили сафар ойининг сешанба куни (милодий 1863 йил, 21–27 июль ёки 3–10 август кунлари)да ёзилган. У ипоятнома – ёрликнинг нусхаси бўлиб, асл нусхасидан ҳижрий 1287 йили зу-л-ҳижа (милодий 1871 йили 22 февраль) ойида Шарқий Туркистоннинг Ёрканд шаҳрида Муҳаммадюнусжон Тойиб томонида кўчирилган. Иноятномага кўра, Қўқон хони Саййид Муҳаммад Султон Мулло Алиқулининг Қўқон давлатига кўрсатган садоқати ва лаёқатини инобатга олиб уни амр ул-умаро мансабига тайинлаган. Ушбу ҳужжат тожик тилида бўлиб, унинг таржимаси куйидагича:

«Хува ҳаю-л-қаюм !

Чун бениёз ҳазрати подшоҳ ва ҳамма мулкларнинг малики ва ҳар қандай шерикликдан бўш ва бениёз (Аллоҳ) ўз фазлу карами билан бизнинг баланд бино этилган халифалик ва жаҳонбонлик қасримизни кўтариб, салтанат ва жаҳонни эгаллаш ҳуқуқини бизга мустаҳкам асослаб берди. Бас, бу олий атонинг шукронаси учун ато этувчини ҳамди ва неъмат берувчининг шукри эвазига жонини қурбон этувчи ва хайрхоҳ бўлган ҳар бир кишиниким жилоси кундан-кунга ортаётган давлатимиз душманларининг ҳаёт хирмонларига ўтқир жасорати ва йўқлик оловини уради ва гавҳар сочувчи шамшири суви билан душманларнинг умид боғларини йўқлик селоби билан нобуд қилади лойик мансаблар ила мумтоз ва сарбаланд этгаймиз.

Чун зоҳирий ва маънавий аҳволнинг эгаси амири соҳибул-фикр ва тадбир Мулло Алиқули лутфу шафқат ва қаҳру ғазаб кўзини дўсту душманларига очибдур, шунинг учун уни чексиз шоҳона марҳаматимизга сазовор этиб. “амир ул-умаро” мансабига мансуб этиб сарафроз ва аржуманд этдик.

Тамоми уламо, фузало ва саййидлар, фуқаҳо ва тамоми лашқарнинг бошлиқлари (русо) ва сардорлари фуқаро ва раъиятнинг ҳаммалари машороалайх (Алиқули)ни “амири нофизиул-ҳукми би-л-истиклол” (ҳукм чиқаришда мустақил амир) деб билиб, унинг мадҳи ва ҳурмати, эъзозлаш ва эҳтиромида қилча ғафлат ва ғофилликда қолмасинлар. Салтанат ва кишварситонлик муҳим ишларини, яъни қўшин ва аскарларни жиҳозлаш, ҳокимлар ва аксар амалдорларни амалга қўйиш ва олиш, кўча-кўйларни тартибга келтириш, фасодчи ва бузгунчи кишиларнинг қатли, жазоси ва шунга ўхшаган ишларни соҳиби амр ва тафаккур бўлган амир (Алиқули)га бердик. Ҳеч бир киши бир қарич ҳам унинг ҳукму фармойишидан чиқмасин, унинг ҳар бир ва ҳар қандай фармонини бажариши лозим ва итоат этиши вожиб деб билсинлар. Унинг ному насабини амру фармонларда “амир” сифатисиз зикр қилмасинлар.

Амири мазкур ҳам зоҳиран ва ботинан адлу инсоф ила ўзини фохира кийим билан оро бериб, адлу инсоф расмида ғафлат ва бепарволқ қилмасинлар. Зўрдан заифга жабру ситам етмаса, икки дунёда ҳам яхши номларн қолажак. Бу (ёрлик) зафарли сафар ойининг сешанба куни сана 1280 йили таҳрир бўлди (ёзилди)”.

Ҳужжатнинг бошида ўнг томонида шундай ёзув бор: “Бу ёрликнинг нусхаси амири кабир, мағфури маҳрум, ғозийи шаҳиднинг Хўжанд ҳукуматини энди қўлга олганларида Ёрмазор мавзеида бир неча аҳднома билан фазлу камолнинг сараси бўлган Мулло Юнусжон додхоҳ шиғовул қалами бирла ёзилган нусхалардан табаррук деб билиб, эсдалик учун ёзилди. Ул асрларда бўлиб ўтганларга Худо раҳмати ёғилсин”.

Мазкур ёрлик Ёрмозор мавзесида Султон Саййид ибн Маллахон Қўқон хони этиб кўтарилгандан кейин берилган.

Алиқули ибн Ҳасанбий (1830-1865) Қўқон хонлигининг тарих саҳнасида тўсатдан ёки ички низолор натижасида келган шахс эмас. Мулло Алиқули мадрасада таълим олгандан сўнг икки йил Андижон шаҳри

Қўқон хонлиги тарихи (хонлик тарихи – манбаларда)

мухтасибига шогирд бўлган, кейинчалик Қўқон хони Худоёрхоннинг акаси Маллахон хузурига ёвар (шахсий кўрикчилар бошлиғи) сифатида хизматга ўтади. 1857 йилнинг охирида Маллахон укаси Худоёрхон билан тахт таллашиб, куч йиғиш учун Олойга Олимбек/Алимбек ва Саййидбек додхоҳлар олдига боради. 1858 йили Маллахон Андижоннинг Тошлоқ мавзеида, Алиқули ҳовлисида хон кўтарилган. Маллахон Алиқулини амирлашкар мансабига кўтарган.

Маллахон ўлдирилиши ва Худоёрхоннинг қисқа иккинчи хонлиги даврида (1862-63 йй. бир неча ой) ҳамда Султон Саййидхон даврида, яъни чоризм истилоси арафаси ва жараёнида Қўқон билан Бухоро муносабатлари кескинлаша бошлади. Бухоро амири ниҳоятда ёвузлик билан Қўқон давлатининг ишларига аралашади. Хонлик ичида ҳам ўзаро уруш ва низолар авж олиб кетади.

1862 йили 24 шаъбон (февраль)да Олимбек/Алимкул мундуз бошчилигидаги гуруҳ Маллахонни ўлдириб, Шералихоннинг невараси Шоҳ Муродни хон кўтардилар. Шодмонхўжа мингбоши ва Қаноатшоҳ оталиқ бунга рози бўлмай, Бухорода пайт пойлаб турган Худоёрхонни Тошкентга даъват этиб хонлик тахтига кўтардилар. Шоҳ Мурод Худоёрхонга қарши Тошкентга юриш қилиб, муваффақиятсиз қайтаётганда, Сирдарё бўйидаги Самғор деган мавзеда Қўқон амирлашкарлари ўртасида низо чиқади. Шунда Алиқули Маллахон қотилларини, жумладан Қўқонда турган Алимқулини ўлдиради. Қўқонда ажойиб бир вазият юзага келади. Фарғона водийсида бир вақтнинг ўзида Шоҳ Мурод ва Худоёрхон ўзларини олий ҳукмрон деб билардилар. Амир Музаффар ҳам Худоёрхонни тахтга қайта тиклаш баҳонаси билан водий аҳолисининг талон-торожи билан машғул эди. 1863 йили июнь ойида Алиқули амирлашкар, топилган иккинчи манба тили билан айтганда, “Ёрмазор қишлоғига кўнди. У ерда Марғилон, Ўш, Андижон, Шаҳрихон, Намангон, Чуст, Хўжанд ва тамоми теваарак-атрофнинг уламо, фузало, қузот ва акобиру ашрофлари жамъ бўлиб, Маллахон шаҳиднинг ўғли Султон Саййидхонни Намангондан олиб келиб, би-л-нттифок хон тахтига кўтардилар. Аммо юртдорлиғ ишини, чунончи дахлу сарф, азлу насб, қатлу раҳм ва тамоми муҳимоти мулку мол тасарруфини амирлашкарга таслим ва таслид айладилар. Бу маънига камина Муҳаммадюнусжон Тоиб қалами бирла жаноби хон бошлиқ тамоми уламо, фузало ва акобир сидқи дил бирла қўл қўюб, мустаҳкам қилдилар”. (Мазкур аҳдноманнинг нусхаси Қўқон шаҳрида истиқомат қилувчи Тоштемир Саидов қўлида сақланади.

Қўлимиздаги яна бир ҳужжат – иноятномада икки муҳрнинг нақши бор. Бири қўзашакл бўлиб, унда Султон Муҳаммад Саййидхон номини, иккинчисида эса “Мулло Алиқули амир ул-умаро ибн Ҳасанбий, 1280 йили” деган ёзувни ўқиймиз. Алиқули муҳри бодом шаклда бўлиб, хон муҳридан пастроқда босилган. Мазкур ҳужжат ҳам қўқонлик Тоштемир ака қўлида сақланаётир. У хон ва амир ул-умаронинг Муҳаммадхўжа, Исҳоқхўжа Аълохўжа ва Сиддиқхўжа деган саййидларга хирожу танобона, қовун пули ва ҳар қандай солиқлардан озод этилганликларн ҳақидаги фармонидир. Ҳужжат 1280 ҳижрий йили рабиъ ус-соний (милодий 1863 йил август) ойида берилган. Ҳужжатда амирлашкар Алиқули муҳрининг мавжудлиги ва асл номини кўрсатиб турганлиги унинг кадр-қийматини оширади.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида.....	3
ҚЎҚОН ТАРИХНАВИСЛИК МАКТАБИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ ШАРОИТИ (СИЁСИЙ ЖАРЁНЛАР).....	5
II. ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ОМИЛЛАР.....	26
II.1. ХОНЛИКНИНГ ҲУДУДИ ВА АҲОЛИСИ.....	26
II.2. ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО. СОЛИҚЛАР.....	32
II. 3. ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ.....	46
II.3.1.Хунармандчилик ва хунар аҳли.....	49
II.4. МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ.....	50
II.4.1. Меъморчилик ва қурилиш ишлари.....	50
II.4.2.Мадраса ва мактаблар (маориф), илмий ва адабий муҳит.....	58
II.4.4. Илм-фан, адабиёт.....	60
II.4.5. Хаттотлик.....	66
III. ХОНЛИК ТАРИХИНИНГ ТАРИХНАВИСЛИГИ (адабиётлар кўрсаткичи сифатида).....	69
IV. ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ҲУДУДЛАРИДА ТАРИХНАВИСЛИК: НАМОЯНДАЛАРИ, АСАРЛАРИ.....	74
IV.I. 1. Шермуҳаммад Акмал Хўқандийнинг “Амирнома”.....	74
IV. I. .2. ФазлийнНамангонийнинг “Умарнома” асари.....	75
IV.I. 3. Мирзо Қаландар Мушриф Исфарагийнинг “Шоҳномаи нусратпаём” асари.....	79
IV.I. 4. Дилшоди Барнонинг тарихий асарлари.....	81
IV.I. 5. Увайсийнинг “Воқиоти Муҳаммадалихон” асари.....	85
IV.I. 6. Мутрибнинг “Шоҳномаи девона Мутриб” асари.....	86
IV.I. 7. Андалибнинг “Шоҳномаи девона Андалиб” асари.....	87
IV.I. 8. Муҳаммадҳакимхоннинг “Мунтахабут-таворих” асари.....	87
IV.I. 9. Абдулғаффурбойнинг “Зафарномаи Худоёрхон” асари.....	105
IV.I. 10. Шавқий Намангоний асарлари.....	107
IV.I. 11. “Хулосат ал-аҳвол” асари.....	108
IV.I. 12. Комий ва унинг “Таворихи манзума” асари.....	113
IV.I. 13. Тожирнинг “Ғаройиби сипоҳ” асари.....	114
IV.I. 14. Бекназарнинг “Амирлашкар жангномаси” асари.....	115
IV.I. 15. Тарихчи Авазмуҳаммад Аттор Хўқандий.....	116
IV.I. 16. Мулло Ниёзмуҳаммад Хўқандий ва унинг “Ибратул-хавоқин” (Тарихи Шоҳрухий) асари.....	121
IV.I. 17. Манзурнинг “Тазкираи султоний” асари.....	126
IV.I. 18. Мулло Холбек ибн Муҳаммадмусо Андижоний.....	127
IV.I. 19. Мирза Олимнинг “Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин” асари.....	130
IV.I. 20. Умидийнинг “Мактубчайи хон” ва “Тарихчайи Туроний” асари.....	131
IV.I. 21. “Анжумут-таворих” асари.....	133
IV.I. 22. Муҳаммадсолиххўжа Тошкандийнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари.....	135
IV.I. 23. Махзун ва унинг “Шоҳнома”(Тарихи Фарғона) асари.....	141
IV.I. 24. Муҳаммадризо Марғинонийнинг “Тарихи Азизий” асари.....	143
IV.I. 25. Муҳаммадюнус ибн Муҳаммадамин – “Тоиб” ва унинг асарлари.....	144
IV.I. 26. Муҳаммадфозилбек ибн Қози Муҳаммадотабек ва унинг “Мукаммали тарихи Фарғона” асари.....	147
IV.I. 27. Мулло Олим Махдум Ҳожи (Абдулқосимов)нинг “Тарихи Туркистон” асари... ..	149
IV.I. 28. Ибратнинг “Тарихи Фарғона” асари.....	150
МАНБАЛАР	
V.Худоёрхонзода. АНЖУМУТ-ТАВОРИХ (ўзбек тилига таржимаси).....	155
VI. Худаярханзаде. АНДЖУМУТ-ТАВАРИХ(рус тилига таржимаси).....	275
VII. Муҳаммадҳакимхон. МУНТАХАБУТ-ТАВОРИХ.....	401
VIII. Авазмуҳаммад Аттор Хўқандий. ТАРИХИ ЖАҲОНАМОЙ.....	708

Қўқон хонлиги тарихи (хонлик тарихи – манбаларда)

IX. Муҳаммадюнусжон Тоиб. ТАРИХИ АЛИҚУЛИ АМИРЛАШКАР	979
X. Муҳаммадюнусжон Тоиб. ТУҲФАЙИ ТОЙИБ.....	1007
XI. Мулло Олим Махдум Ҳожи Абдулқосимов. ТАРИХИ ТУРКИСТОН.....	1027
XII. Мирза Алим ибн Мирза Раҳим Тошканди. АНСАБ АС-САЛАТИН ВА ТАВАРИХ АЛ-ХАВАКИН (Генеалогия султанов и история хаканов).....	1109
XIII. Муҳаммадумар Умидий – Ҳавойий. ТАРИХЧАЙИ ТУРОНИЙ.....	1201
XIV. Ниёзмухаммад Хўқандий – Ниёзий. ИБРАТУЛ-ХАВОҚИН ТАРИХИ ШОҲРУХИЙ).....	1267
XV. Муҳаммадазиз Марғилоний. ТАРИХИ АЗИЗИЙ.....	1443
МУНДАРИЖА.....	1490
КўРСАТКИЧЛАР (ТОМ II).....	1494

**Босишга рухсат этилди 30.05.2014 йил.
Шартли босма табағи 90. Нусхаси 150 дона. Буюртма № 143**
